9. Отдельной словарной статьей разрабатываются причастия и деепричастия, имеющие наряду с глагольным значением и значения прилагательного и наречия, напр.:

АЛЧУЩИЙ, -ая, -ее *уст. книжн.* 1 *прич. от* **алка́ть**; 2 *в знач. прил.* ...

ЗАСПА́ННЫЙ, -ая, -ое 1 *прич. от* **заспа́ть**; 2 *в знач. прил. разг.* ...

КРА́ДУЧИСЬ *разг.* 1 *деепр.* ...; 2 *нареч.*...

Наречия

1. Наречия сопровождаются пометой *нареч.*

2. Употребление наречий в значении сказуемого дается за отдельной цифрой с пометой *в знач. сказ.*, напр.:

БЕСПО́ЛЕЗНО *нареч.* 1 ...; 2 *в знач. сказ.* ...

БЕЗОПА́СНО *нареч.* 1 ...; 2 *в знач. сказ.* ...

Предлоги, союзы, частицы, междометия

1. Предлоги даются с пометой *предлог* и с указанием на падежи, которыми они управляют, напр.:

БЕЗ, БЕЗО *предлог с р.* ...

ЗА *предлог* 1 *с вин.* ...; 2 *с тв.* ...; 3 *в знач. сказ.* ...

Варианты предлогов (**без** и **безо; с** и **со, о, об** и **обо** и т. д.) даются на своем месте по алфавиту с отсылкой к основной форме, напр.:

БЕЗО *см.* **без.**

ОБ, ОБО, *см.* **о.**

2. Союзы даются с пометой *союз* и с указанием их значений *(соед., противит., разделит.)*.

3. При частицах дается помета *частица* и указание на их значения (*усилит., отриц.* и др.).

Междометия снабжаются пометой *межд.*, напр.:

БА *межд. разг.* ...

www.ziyouz.com kutubxonasi

СПИСОК ПОМЕТ И УСЛОВНЫХ СОКРАЩЕНИЙ

ПОМЕТАЛАР ВА ШАРТЛИ ҚИСҚАРТМАЛАР РЎЙХАТИ

1. Русские

ав.— авиация
авт.— автомобильная промышленность, автотранспорт — автомобиль саноати, автомобиль транспорти
анат.— анатомия
антроп.— антропология
археол.— археология
архит.— архитектура
астр.— астрономия
без. доп.— без дополнения — тўлдирувчисиз
безл.— безличная форма — шахссиз форма
биол.— биология
бот.— ботаника
бран.— бранное слово, выражение — сўкиш сўзи, ибораси
букв.— буквально — айнан
бухг.— бухгалтерия
вводн. сл.— вводное слово — кириш сўз
вет.— ветеринария
вин.— винительный падеж — тушум келишиги
воен.— военное дело — ҳарбий иш
возвр. — возвратный залог; возвратное местоимение — ўзлик нисбати, ўзлик олмоши
вопросит.— вопросительное местоимение, вопросительная частица — сўроқ олмоши; сўроқ юкламаси
высок.— высокий стиль — юқори услуб
геогр.— география
геод.— геодезия
геол.— геология
геом.— геометрия
гл.— глагол — феъл
горн.— горное дело — кончилик
грам.— грамматика
груб.— грубое слово, выражение — дағал сўз, ибора
дат.— дательный падеж — жўналиш келишиги
деепр.— деепричастие — равишдош
дипл.— дипломатический термин — дипломатик термин
ед.— единственное число — бирлик сон
ж — женский род
ж.-д.— железнодорожный транспорт, железнодорожное дело — темир йўл транспорти
жив.— живопись
зват.— звательный падеж, звательная форма
звукоподр.— звукоподражание — тақлидий сўз (товуш)
знач.— значение — маъно
зоол.— зоология
им.— именительный падеж — бош келишик
ирон.— ироническое выражение — киноя, кесатиқ ибора
иск.— искусство — санъат
ист.— исторический термин — тарихга оид термин
канц.— канцелярское слово, выражение — канцелярия сўзи, ибораси
карт.— термин карточной игры — карта ўйини термини
книжн.— книжный стиль — китобий услуб
колич.— количественное (числительное)— саноқ сон
кул.— кулинария — пазандалик
ласк.— ласкательная форма — эркалатиш формаси
лингв.— лингвистика
лит.— литература, литературоведение — адабиёт, адабиётшунослик
личн.— личная форма, личное (местоимение)— шахс формаси, шахс олмоши
м — мужской род
мат.— математика
мед.— медицина
межд.— междометие — ундов сўз
мест.— местоимение — олмош
метеор.— метеорология
мин.— минералогия
миф.— мифология
мн.— множественное число — кўплик сон
многокр.— многократный вид глагола — феълнинг такрорий тури
мор.— морское дело — денгизчилик
муз.— музыка
накл.— наклонение — майл
напр.— например — масалан
нареч.— наречие — равиш
нар.-поэт.— народно-поэтическое — халқ поэзиясига оид
неизм.— неизменяемое слово — ўзгармас сўз
неодобр.— неодобрительно — манфий
неопр.— неопределённая форма глагола, неопределённое местоимение — феълнинг ноаниқ формаси, ноаниқ олмош
нескл.— несклоняемое — турланмайдиган сўз
несов.— несовершенный вид глагола — феълнинг тугалланмаган формаси
обл.— областное слово, выражение — маҳаллий сўз, ибора
однокр.— однократный вид глагола — феълнинг такрорсиз тури
определит.— определительное местоимение — белгилаш олмоши
относит.— относительное местоимение — нисбий олмош
отриц.— отрицание, отрицательный — манфий
офиц.— официальный термин — расмий термин
охот.— охотничий термин — овчилик термини
п.— падеж — келишик
палеонт.— палеонтология
перен.— переносное значение — кўчма маъно
побудит.— побудительная частица — ундовчи юклама
пов.— повелительное наклонение — буйруқ майли
погов.— поговорка — матал
полигр.— полиграфия
полит.— политика — сиёсат
порядк.— порядковое (числительное)— тартиб сон
посл.— пословица — мақол
поэт.— поэтическое слово, выражение — поэтик сўз, ибора
превосх.— превосходная степень — орттирма нисбат
предл.— предложный падеж
предлог — предлог — олд кўмакчи
презр.— презрительно — нафратни билдирадиган сўз
пренебр.— пренебрежительно — менсимасликни билдирадиган сўз
прил.— имя прилагательное — сифат
присоед.— присоединительный союз — бириктирувчи боғловчи
приставка — приставка — олд қўшимча

www.ziyouz.com kutubxonasi

притяж.— притяжательное (местоимение) — эгалик олмоши
прич.— причастие — сифатдош
причин.— причинный союз — сабаб боғловчиси
прост.— просторечие — солда, авом тилида қўлланиладиган сўз, ибора
противит.— противительный союз — зидловчи боғловчи
прям. и перен.— прямое и переносное значение — тўғри ва кўчма маъно
психол.— психология
р.— родительный падеж — қаратқич келишиги
радио — радиотехника, радиоэлектроника
разг.— разговорное слово, выражение — сўзлашув тилидаги сўз, ибора
разд.— разделительный союз — айирувчи боғловчи
рел.— религия — дин
с — средний род
сказ.— сказуемое — кесим
см.— смотри — қара
собир.— собирательное (существительное), собирательно — жамловчи от
сов.— совершенный вид глагола — феълнинг тугалланган формаси
соед.— соединительный союз — бириктирувчи боғловчи
союз — союз — боғловчи
спец.— специальный термин — махсус термин
спорт.— спорт и физкультура
ср.— сравни — қиёсла
сравн.— сравнительная степень — қиёсий даража
стр.— строительное дело — бинокорлик
страд.— страдательный залог — мажҳул нисбат
сущ.— имя существительное — от
с.-х.— сельское хозяйство — қишлоқ хўжалиги
тв.— творительный падеж
театр.— театральный термин, театральное выражение — театрга оид термин, ибора
текст.— текстильное дело — тўқимачилик
тех.— техника
указат.— указательное местоимение — кўрсатиш олмоши
уменьш.— уменьшительная форма — кичрайтиш формаси
уменьш.-ласк.— уменьшительно-ласкательная форма — кичрайтиш-эркалатиш формаси
унич.— уничижительное существительное — камситиш оти
усилит.— усилительная форма — кучайтириш формаси
усл.— условный союз, условная форма — шарт боғловчиси, шарт формаси
уст.— устаревшее слово, выражение — эскирган сўз, ибора
уступит.— уступительная форма, уступительный союз — тўсиқсиз форма, тўсиқсиз боғловчи
утв.— утвердительная частица — тасдиқ юкламаси
фарм.— фармакология
физ.— физика
физиол.— физиология
филос.— философия
фин.— финансовый термин — молия термини
фольк.— фольклор
фото — фотография
хим.— химия
церк.— церковное слово, выражение — черковга оид сўз, ибора
частица — частица — юклама
числ.— имя числительное — сон
шахм.— шахматный термин — шахматга оид термин
шутл.— шутливое слово, выражение — ҳазил сўз, ибора
эк.— экономика — иқтисод
эл.— электротехника
этн.— этнография
юр — юридический термин — юридик термин

2. Узбекские

с. т.— сўзлашув тили
л. м.— луғавий маъноси
эск.— эскирган

www.ziyouz.com kutubxonasi

РУССКИЙ АЛФАВИТ

Написание букв		Название букв	Написание букв		Название букв
Печатное	Рукописное		Печатное	Рукописное	
А а	*А а*	*а*	Р р	*Р р*	*эр*
Б б	*Б б*	*бэ*	С с	*С с*	*эс*
В в	*В в*	*вэ*	Т т	*Т т*	*тэ*
Г г	*Г г*	*гэ*	У у	*У у*	*у*
Д д	*Д д*	*дэ*	Ф ф	*Ф ф*	*эф*
Е е	*Е е*	*е*	Х х	*Х х*	*ха*
Ё ё	*Ё ё*	*ё*	Ц ц	*Ц ц*	*цэ*
Ж ж	*Ж ж*	*жэ*	Ч ч	*Ч ч*	*че*
З з	*З з*	*зэ*	Ш ш	*Ш ш*	*ша*
И и	*И и*	*и*	Щ щ	*Щ щ*	*ща*
Й й	*Й й*	и краткое	Ъ ъ	*Ъ ъ*	твёрдый знак
К к	*К к*	*ка*	Ы ы	*Ы ы*	*ы*
Л л	*Л л*	*эль*	Ь ь	*Ь ь*	мягкий знак
М м	*М м*	*эм*	Э э	*Э э*	*э*
Н н	*Н н*	*эн*	Ю ю	*Ю ю*	*ю*
О о	*О о*	*о*	Я я	*Я я*	*я*
П п	*П п*	*пэ*			

www.ziyouz.com kutubxonasi

А

А I *союз* 1 *противит.* қиёслаш, қарама-қарши қўйиш маъносидаги гапларни ёки гап бўлакларини боғлаш учун хизмат қилади; маъно ва қўлланилиш жиҳатидан: эса, бўлса; бироқ, аммо, лекин каби боғловчиларга мос келади; баъзан, ўзбек тилига таржима қилинганда тушириб қолдирилади; **мы ушли́, а он оста́лся** биз кетдик, у (эса) қолди; **Он шути́л, а я зло́бствовал** (Пушкин) у ҳазил қилар, мен эса аччиқланардим; 2 *противит.* «**не**» инкор юкламаси билан келган зид маъноли ёки бири иккинчисини инкор этадиган гапларни боғлайди, бу ҳолда: эмас, балки; эса-да, бўлса-да, ...га қарамасдан; бироқ, аммо, лекин каби сўзларга мос келади; **не на слова́х, а на де́ле** оғизда эмас, (балки) амалда; **всё гото́во, а ты ещё не собра́лся** ҳамма нарса тайёр-у, сен эса тайёрланиб (отланиб) бўлмабсан; 3 *присоед.* бош гапга бирор нарса қўшадиган эргаш гапни ёки гап бўлакларини боғлаш учун хизмат қилади; эса, бўлса, бўлмаса; **-чи**, учун каби сўз ва қўшимчаларга мос келади; **на горе́ дом, а под горо́й руче́й** тепаликда уй, пастда эса жилға; **что ты сего́дня де́лаешь? А за́втра?** бугун сен нима иш қиласан? Эртагачи?; **он не винова́т.— А кто же винова́т, е́сли не он?** у айбдор эмас.— У айбдор бўлмаса, ким айбдор?; 4 сўроқ ва ундов гапларнинг бошида, шунингдек нутқнинг бошланишида келиб, фикрни ифодали, ишонарли қилиш учун хизмат этади; бу ҳолда кўпинча олмошлар, равишлар ёки бошқа боғловчилар билан бирга ишлатилади; **а как нам бы́ло бы хорошо́!** бизга (биз учун) қандай яхши бўлар эди, а!; **а всё-таки я прав** мен бари бир ҳақ(ли)ман; бари бир, меники тўғри; ✦**а и́менно** чучончи, жумладан, масалан; яъни; **а потому́** шунинг учун, шу сабабли; **а сле́довательно** бинобарин, демак; **а то** 1) акс ҳолда, бўлмаса; **спеши́, а то** (или **а не то**) **опозда́ешь** тезроқ бўл, акс ҳолда улгура олмайсан; 2) ҳақиқатда эса; **е́сли бы бы́ло так, а то всё наоборо́т** қани энди, шундай бўлса, ҳақиқатда эса ҳаммаси аксинча.

А II *частица разг.* 1 *вопросит.* а; нима; **что, что? не слы́шу, а?** нима деяпсан, а, эшитмаяпман?; **что там напи́сано, а?** у ерда нима деб ёзилган; а?; 2 *побудит.* бировни қайта-қайта чақириш, диққатни тортиш учун ишлатилади; эй, ҳой, ҳў; **ребя́та, а ребя́та! Иди́те сюда́** болалар, ҳой болалар! Бу ёққа келинглар.

А III *межд.* 1 таажжуб, тасдиқ, шодлик каби маъно ва ҳис-туйғуларни ифодалайди; **а, э́то вы!** э, бу сизмисиз!; сизмидингиз!; **а, по́нял!** э, бўлди, тушундим; 2 қатъиятни ифодалайди; а, э; **а, пойду́, будь что бу́дет** э, кетдим, нима бўлса, бўлар; **а, была́ не была́** э, тавакқал, бўлганча бўлар; 3 таассуф, дўқ-пўписа, ғазаб ва ш. к. маъноларни ифодалайди; а; **а-а! стру́сили!** а-а! қўрқдингизми!; 4 даҳшат, ачиниш, оғриқ ва ш. к. маъноларни ифодалайди; вой, вой-вой, войдод; **а-а! помоги́те** войдод! ёрдам беринг!

АБАЖУ́Р *м* абажур, лампа калпоғи; **шёлковый ~** шоҳи абажур; **зелёный ~** яшил абажур; **стекля́нный ~** шиша абажур.

АБАЗИ́НЕЦ *м, р,* **-нца** абаза; *см.* **абази́нцы.**

АБАЗИ́НКА *ж, р, мн.* **-нок** абаза аёл, абазинка; *см.* **абази́нцы.**

АБАЗИ́НСКИЙ, **-ая**, **-ое** абазаларга, абаза халқига оид; абаза(лар)...; **~ язы́к** абаза тили.

АБАЗИ́НЦЫ *мн. (ед.* **абази́нец** *м,* **абази́нка** *ж)* абазалар (Қорачой-Черкас ва Адигея автоном областлари аҳолисининг бир қисмини ташкил этувчи халқ).

АББА́Т *м* аббат (1 католик эркаклар монастирининг бошлиғи; 2 Францияда: католиклар руҳонийси).

АББА́ТИСА *ж* аббатиса (католик аёллар монастирининг бошлиғи).

АББА́ТСТВО *с* аббатлик (католиклар монастири ва унга қарашли жой-мулк).

АББРЕВИАТУ́РА *ж* аббревиатура 1 қисқартма сўз, мас., **райко́м, колхо́з;** шунингдек бош ҳарфлардан тузилган қисқартма, мас., **АСУ́, ЛЭП;** 2 ёзувда сўзларнинг қисқартирилган шартли шакли, мас., **и т. п.** (и тому подобное).

АБЕРРАЦИО́ННЫЙ, **-ая**, **-ое** аберрацион; аберрация...; **~ое явле́ние** аберрацион ҳодиса, аберрация ҳодисаси.

АБЕРРА́ЦИЯ *ж* аберрация (1 *физ.* оптик асбобларда ҳосил бўлган тасвирнинг ноаниқлиги ёки бузилиши; 2 *астр.* Ернинг Қуёш атрофида **айланиши** натижасида юлдузларнинг ўз жойидан силжиганга ўхшаб кўриниши; 3 *биол.* маълум турга мансуб ҳайвонлар организмида юз берган ўзгариш; ўзгалик; 4 *перен.* фикрда янглишиш, адашиш, ҳақиқатдан четга чиқиш).

АБЗА́Ц *м* 1 абзац, хат боши, сатр боши; **нача́ть с ~а** абзацдан, (хат бошидан) бошламоқ; 2 абзац (хат бошидан иккинчи хат бошигача бўлган текст); **прочита́ть два ~а** икки абзац ўқимоқ.

АБИССИ́НСКИЙ: ~ коло́дец *тех. уст.* абиссин қудуғи, трубали қудуқ.

АБИССИ́НЦЫ *мн. (ед.* **абисси́нец** *м,* **абисси́нка** *ж) уст. см.* **эфио́пы.**

АБИТУРИЕ́НТ *м* абитуриент (1 ўрта мактабни тугатаётган ўқувчи; 2 олий ўқув юртига кираётган шахс).

АБОНЕМЕ́НТ *м* абонемент, обуна; **межбиблиоте́чный ~** кутубхоналараро абонемент; **приобрести́ ~ на весь футбо́льный сезо́н** бутун футбол мавсумига абонемент олмоқ.

АБОНЕМЕ́НТНЫЙ, **-ая**, **-ое** абонемент...; **~ биле́т** абонемент билети.

АБОНЕ́НТ *м* абонент; обуначи; **~ы библиоте́ки** кутубхона абонентлари (аъзолари); **~ы телефо́нной се́ти** телефон тармоғининг абонентлари (телефони бўлган шахс ёки ташкилотлар).

АБОНЕ́НТНЫЙ, **-ая**, **-ое** абонентларга, обуначиларга оид; абонентларга, обуначиларга хизмат қиладиган; **~ отде́л** абонентлар бўлими.

АБОНЕ́НТСКИЙ, **-ая**, **-ое** абонентларга, обуначиларга оид; **~ая слу́жба** абонентларга хизмат кўрсатиш.

АБОНИ́РОВАТЬ *сов.* и *несов. что уст.* абонемент бўйича олмоқ, банд қилмоқ; **~ ло́жу в теа́тре** абонемент бўйича театрда ложа олмоқ (банд қилмоқ).

АБОНИ́РОВАТЬСЯ *сов.* и *несов. на что уст.* бирор нарсага абонемент олмоқ, абонент (обуна) бўлмоқ.

АБОРДА́Ж *м* эшкакли ва елканли кемалар даврида: душман кемалари ёнма-ён келганда жангчиларнинг кемадан кемага ўтиб жанг қилиши; ✦**брать (взять) на ~ кого-что** қаттиқ қисувга (исканжага) олмоқ.

www.ziyouz.com kutubxonasi

АБОРИГЕ́НЫ *мн. (ед.* **аборге́н** *м)* аборигенлар, бирор жойнинг туб аҳолиси, тубжой халқ.

АБОРТ *м мед.* аборт (бола олдириш; бола ташлаш).

АБОРТИ́ВНЫ/Й, -ая, -ое 1 *мед.* абортив, таққа тўхтатадиган, қолдирадиган; кескин ўзгартирадиган; **~е сре́дства** абортив воситалар; 2 *биол.* абортив, ўсмай қолган, мажмағил, чала, бачки; **~е о́рганы расте́ний** ўсимликларнинг ўсмай қолган (бачки) органлари.

АБРАЗИ́ВНЫ/Й: ~е матери́алы абразив материаллар (чархлаш, силлиқлаш асбоблари учун ишлатиладиган майда донадор қаттиқ материаллар); **~е инструме́нты** абразив асбоблар (абразив материаллардан тайёрланган асбоблар, мас., чархтош, қайроқ ва ш. к. лар).

АБРАЗИ́ВЫ *мн. (ед.* **абрази́в** *м) то же, что* **абрази́вные материа́лы**; *см.* **абрази́вный.**

АБРАКАДА́БРА *ж* бемаъни сўзлар йиғиндиси; алмойи-алжойи (жинни-ғинни) гап.

АБРИКО́С *м* ўрик (дарахт ва меваси).

АБРИКО́СН/ЫЙ, -ая, -ое *разг.* ўрикка оид; ўрик...; **~ый сок** ўрик шарбати; **~ая ко́сточка** ўрик данаги.

АБРИКО́СОВ/ЫЙ, -ая, -ое ўрикка оид; ўрикдан қилинган; ўрик...; **~ый сад** ўрикзор; **~ое варе́нье** ўрик мураббоси.

А́БРИС *м* **1** ташқи кўриниш, контур; **2** *геод.* абрис, хомаки план.

АБСЕ́НТ *м* эрмонга тўйинтирилган спиртли ичимлик, эрмонли арақ.

АБСЕНТЕ́ИЗМ *м* абсентеизм (буржуа мамлакатларида: сайлов, мажлис ва ш. к. дан бош тортиш, бўйин товлаш, қочиш).

АБСОЛЮ́Т *м книжн.* абсолют (**1** идеалистик философияда: бутун мавжудотнинг азалий ва абадий ўзгармас бирламчи асоси — руҳ, идея, худо; **2** ҳар қандай мутлақ нарса, ҳодиса).

АБСОЛЮ́ТИЗМ *м* абсолютизм, чекланмаган монархия, якка ҳокимиятчилик (олий ҳокимият бир кишининг — монархнинг, подшоҳнинг қўлида бўлган давлат тузуми).

АБСОЛЮ́ТИСТ *м* абсолютист. абсолютизм тарафдори.

АБСОЛЮТИ́СТСКИЙ, -ая, -ое абсолютизмга, якка ҳокимиятчиликка асосланган; абсолютистик, автократик.

АБСОЛЮ́ТНО *нареч. разг.* мутлақо, сира, сира ҳам, асло, ҳеч; **~ невозмо́жно** мутлақо мумкин эмас, сира ҳам иложи йўқ; **он ~ ничего́ не зна́ет** у мутлақо ҳеч нарса билмайди.

АБСОЛЮ́ТН/ЫЙ, -ая, -ое; -тен, -тна 1 нисбат берилмасдан, қиёс қилинмасдан олинган, нисбий эмас, абсолют; **~ый приро́ст населе́ния** аҳолининг абсолют (сон жиҳатдан) ўсиши (нисбий ўсиши эмас); **2** тўлиқ, тўла, бутунлай, мутлақо; **~ая тишина́** бутунлай тинчлик, жимжитлик; **больно́му ну́жен ~ый поко́й** беморга мутлақо тинчлик керак;

✦ **~ая и́стина** *филос.* абсолют ҳақиқат, мутлақ ҳақиқат (материалистик билиш назариясига кўра: объектив мавжудот ҳақида тўлиқ, мукаммал билиш мумкин бўлган ҳақиқат); **~ое большинство́** мутлақ кўпчилик, аксарият; **~ая величина́** *мат.* абсолют катталик (плюс ёки минус ишорасиз олинган катталик); **~ый нуль** 1) *физ.*—273,16°С га тенг температура; 2) *перен.* мутлақо нуфузи йўқ одам; **~ая мона́рхия** абсолют монархия, чекланмаган монархия, мутлақ ҳокимият; **~ый слух** товуш баландлигини аниқ белгилай олиш қобилияти.

АБСОРБИ́РОВАТЬ *сов.* и *несов. что* и *без доп. физ., хим.* шиммоқ, сингдирмоқ; ютмоқ.

АБСОРБИ́РОВАТЬСЯ, -руется *физ., хим.* **1** *сов.* и *несов.* шимилмоқ, сингмоқ, ютилмоқ; **2** *несов. страд. от* **абсорби́ровать.**

АБСО́РБЦИЯ *ж физ., хим.* абсорбция, шимилиш, сингиш, ютилиш; ютиш; **~ га́за** газнинг шимилиши, сингиши; газни шимиш, сингдириш; **~ све́та** ёруғликнинг ютилиши; ёруғликни ютиш.

АБСТРАГИ́РОВАТЬ *сов.* и *несов. что* абстрактлаштирмоқ, мавҳумлаштирмоқ, абстракция қилмоқ.

АБСТРАГИ́РОВАТЬСЯ 1 *сов.* и *несов. от чего* абстракцияланмоқ (нарса, воқеа, ҳодисаларнинг муҳим томонларини аниқлаш учун уларнинг жузъий томонларини фикран бир чеккага қўйиб туриб қарамоқ); **2** *несов. страд. от* **абстраги́ровать.**

АБСТРА́КТНО *нареч.* абстракт равишда, мавҳум; **рассужда́ть ~** абстракт (равишда) муҳокама юргизмоқ; мавҳум муҳокама қилмоқ.

АБСТРА́КТНОСТЬ *ж* абстрактлик, мавҳумлик; **~ мы́шле́ния** тафаккурнинг (ёки фикрлашнинг) абстрактлиги.

АБСТРА́КТН/ЫЙ, -ая. -ое; -тен, -тно абстракция йўли билан ҳосил қилинган, абстракцияга асосланган, абстракт, мавҳум; **~ое поня́тие** абстракт тушунча; **~ое иску́сство** абстракт санъат; **~ое мы́шление** абстракт тафаккур; абстракт фикрлаш; ✦ **~ый труд** *эк.* абстракт меҳнат (қандай шаклда сарфланишидан қатъи назар, қиймат туғдирувчи меҳнат).

АБСТРАКЦИОНИ́ЗМ *м* абстракционизм (тасвирий санъатда: реал нарсаларни мавҳум шакллар билан тасвирлаш тарафдори бўлган формалистик оқим).

АБСТРАКЦИОНИ́СТ *м* абстракционист (абстракционизм йўлидан борувчи рассом).

АБСТРА́КЦИЯ *ж* **1** абстракция, абстрактлаш (нарса, воқеа, ҳодисаларнинг муҳим томонларини аниқлаш учун уларнинг жузъий томонларини хаёлан бир чеккага қўйиб туриб қараш, шу тарзда фикр юритиш); **2** абстракция, мавҳум тушунча, абстрактлаш йўли билан ҳосил қилинган назарий хулоса, умумлашма; **3** *разг.* мужмал, ноаниқ фикр, мулоҳаза, гап.

АБСУ́РД *м* бемаъни, тутуриқсиз гап, иш; бемаънилик; **довести́ до ~а** беъманилик даражасига олиб бормоқ.

АБСУ́РДНОСТЬ *ж* бемаънилик, тутуриқсизлик; **~ утвержде́ния** даъвонинг (фикрнинг) тутуриқсизлиги.

АБСУ́РДНЫЙ, -ая, -ое; -ден, -дна бемаъни, тутуриқсиз; **~ вы́вод** бемаъни хулоса, тутуриқсиз хулоса.

АБСЦЕ́СС *м мед.* йиринглаш, йиринг (газак) олиш, фасод боғлаш; йиринг олган, фасод боғлаган жой; чипқон.

АБСЦИ́ССА *ж мат.* абсцисса (нуқтанинг текисликдаги ёки фазодаги вазиятини аниқловчи координаталардан бири).

АБХА́З *м* абхаз; *см.* **абха́зы.**

АБХА́ЗЕЦ *м, р.* **-зца** *уст. то же, что* **абха́з.**

АБХА́ЗКА *ж, р. мн.* **-зок** абхаз аёл; *см.* **абха́зы.**

АБХА́ЗСКИЙ, -ая, -ое Абхазияга ва абхазларга оид; Абхазия...; абхаз(лар)...; **~ язы́к** абхаз тили.

АБХА́ЗЦЫ *мн. уст. то же, что* **абха́зы.**

АБХА́ЗЫ *мн. (ед.* **абха́з** *м,* **абха́зка** *ж)* абхазлар (Абхазия АССРнинг туб аҳолиси).

АВАНГА́РД *м* **1** *воен.* авангард; илғор *(эск.),* ҳировил *(эск.);* (ҳарбий ҳаракат вақтида асосий кучларнинг энг олдида турувчи ёки борувчи ҳарбий қисм, бўлинма ва ш. к.); **~ диви́зии** дивизия авангарди; **2** *перен.* авангард (ижтимоий группа ёки синфнинг олдинги сафда борувчи етакчи, илғор қисми); **Коммунисти́ческая па́ртия — ~ рабо́чего кла́сса** Коммунистик партия — ишчилар синфининг авангарди; ✦ **в ~е** олдинги сафда, бошда.

АВАНГА́РДН/ЫЙ, -ая, -ое 1 авангардга, авангарддаги қисмларга оид; **~ый бой** авангарддаги қисмлар жанги; **2** *перен.* авангард, илғор, етакчи; авангардлик (етакчилик) қилувчи; авангардлик...; етакчилик...; **Коммунисти́ческая па́ртия — ~ый отря́д рабо́чего кла́сса** Коммунистик партия — ишчилар синфининг авангард (илғор, етакчи) отряди; **~ая роль рабо́чего кла́сса** ишчилар синфининг авангардлик роли.

АВАНЗА́Л *м* аванзал, пешзал (катта залга киравериштаги кичик зал).

АВАНЛО́ЖА *ж* аванложа, пешложа (ложага киравериштаги хонача).

АВАНПО́РТ *м* аванпорт (портга киравериштаги кемалар тўхташи учун қулай, мос жой, ташқи рейд).

АВАНПО́СТ *м* аванпост (қўшиндан илгарироққа қўйилган соқчи пост ва унинг эгаллаб турган жойи).

АВА́НС *м* аванс (меҳнатга олдиндан тўланадиган пул, ҳақ, маблағ); **вы́дать ~** аванс бермоқ; **получи́ть ~** аванс олмоқ; ✦ **де́лать ~ы** *кому разг.* ўзига оғдириш учун бирор нарса билан рағбатлантирмоқ, хурсанд қилиб қўймоқ.

АВАНСИ́РОВАТЬ *сов.* и *несов. кого-что* аванс бер-

www.ziyouz.com kutubxonasi

моқ; ~ **колхо́зников** колхозчиларга аванс бермоқ; ~ **строи́тельство** қурилишга аванс бермоқ; қурилишни аванс билан таъминламоқ.

АВАНСИ́РОВАТЬСЯ 1 *сов.* и *несов.* аванс олмоқ; 2 *несов. страд. от* **аванси́ровать**.

АВА́НСОВЫЙ, -ая, -ое авансга оид; аванс...; ~ **отчёт** аванс ҳисоботи (олинган аванс юзасидан берилган ёки бериладиган ҳисобот).

АВА́НСОМ *нареч.* 1 аванс тариқасида; **получи́ть** ~ аванс тариқасида олмоқ; 2 *перен. разг.* олдиндан «хамир учидан патир» қабилида; **хвали́ть** ~ олдиндан мақтаб қўймоқ.

АВАНСЦЕ́НА *ж* саҳна олди, пешсаҳна.

АВАНТЮ́Р/А *ж* 1 авантюра (реал куч, шароит ва имкониятларни ҳисобга олмасдан, тавакқалига бошланган охири вой иш, хатти-ҳаракат); **вое́нная** ~**а** ҳарбий авантюра; **полити́ческая** ~**а** сиёсий авантюра; **пуска́ться в** ~**ы** шубҳали (қалтис) ишларга уринмоқ; 2 қалтис юриш-туриш; хатарли саргузашт; **любо́вные** ~**ы** хатарли ишқий саргузаштлар.

АВАНТЮ́РИЗМ *м* авантюризм, авантюрачилик (1 авантюрага асосланган, осонгина муваффақиятга эришишни кўзлаб, тавакқалига қилинган иш, хатти-ҳаракат; 2 авантюрага мойиллик).

АВАНТЮ́РИСТ *м* авантюрист, авантюрачи, тавакқалчи.

АВАНТЮРИСТИ́ЧЕСК/ИЙ, -ая, -ое авантюризмга асосланган, авантюризмдан иборат бўлган, авантюристик; ~**ая полити́ка** авантюристик сиёсат; ~**ие накло́нности** авантюризмга мойиллик, авантюрачилик.

АВАНТЮ́РИСТКА *ж, р. мн.* **-ток** авантюристка, авантюрачи аёл, тавакқалчи аёл.

АВАНТЮРИСТСКИ/Й, -ая, -ое авантюристларга хос бўлган; авантюристларча; ~**е вы́ходки** авантюристларга хос (авантюристларча) хатти-ҳаракат.

АВАНТЮ́РН/ЫЙ, -ая, -ое 1 авантюрадан иборат бўлган; ~**ое предприя́тие** авантюрадан иборат иш; 2 шубҳали, қалтис саргузаштларга бағишланган; ~**ый рома́н** саргузаштларга бағишланган роман.

АВА́Р *м* авар; *см.* **ава́ры**.

АВА́РЕЦ *м, р.* **-рца** авар; *см.* **ава́рцы**.

АВАРИ́ЙНОСТЬ *ж* авариялар нинг бўлиб туриши; бузилиш, зарарланиш, шикастланиш; авариялар; **борьба́ с** ~**ю** авариялар га қарши кураш.

АВАРИ́ЙН/ЫЙ, -ая, -ое 1 аварияга оид; авария...; ~**ая брига́да** авария бригадаси (авариялар оқибатини тугатувчи, авария ни бартараф қилувчи бригада); 2 авария ҳолатидаги; ~**ое зда́ние** авария ҳолатидаги бино; ~**ое состоя́ние** авария ҳолати.

АВА́РИ/Я *ж* 1 авария, бузилиш, ишдан чиқиш (машина, станок ва ҳ. к.); ~**я автомоби́ля** автомобиль аварияси; **самолёт потерпе́л** ~**ю** самолёт аварияга учради, бузилди; 2 *перен. разг.* бахтсизлик, фалокат.

АВА́РКА *ж, р. мн.* **-рок** авар аёл; *см.* **ава́рцы**.

АВА́РСКИЙ, -ая, -ое аварларга оид; авар(лар)...; ~ **язы́к** авар тили.

АВА́РЦЫ *мн. (ед.* **ава́рец** *м,* **ава́рка** *ж)* аварлар (Дағистон ва Озарбайжонда яшовчи халқлардан бири).

АВА́РЫ *мн. р.* **ава́р** и **-ов** *(ед.* **ава́р** *м)* аварлар (6-асрда Дунай атрофи ўлкаларига бостириб келиб, ўз давлатини тузган ва 10-асргача ҳукм сурган туркий қабилалар).

АВГИЕВ: ~ы коню́шни *миф.* и *перен.* Авгий отхонаси, отбозор (жуда ифлос, итирқини жой ёки жуда чалкаш, бетартиб иш; ибора Юнонистон подшоҳи Авгийнинг 30 йил тозаланмаган отхоналари ҳақидаги афсонадан келиб чиққан).

АВГУ́Р *м* 1 қадимги Римда: қушларнинг овози ва учишига қараб гўё худонинг иродасини, хоҳишини айтиб бера олган коҳин; 2 *ирон.* алдоқчи, афсунгар.

АВГУ́СТ *м* август; август ойи.

АВГУСТОВСК/ИЙ, -ая, -ое август ойига оид, август ойида бўлган ёки бўладиган; август...; ~**ие дни** август кунлари; ~**ая се́ссия** август сессияси.

АВЕНЮ *с нескл.* авеню (АҚШ, Англия ва Францияда: икки чеккасига дарахтлар ўтқазилган катта кўча).

АВИАБА́ЗА *ж* авиабаза, авиация базаси.

АВИАБИЛЕ́Т *м* авиабилет, самолёт (ёки вертолёт) билети.

АВИАБО́МБА *ж* авиабомба.

АВИАДВИ́ГАТЕЛЬ *м* авиадвигатель, самолёт двигатели.

АВИАДЕСА́НТ *м* авиадесант, ҳаво десанти.

АВИАДЕСА́НТНИК *м* авиадесантчи, авиадесант жангчиси.

АВИАДЕСА́НТНЫ/Й, -ая, -ое авиадесант...; ~**е войска́** авиадесант қўшинлар.

АВИАЗАВО́Д *м* авиазавод, авиация (самолётсозлик) заводи.

АВИАКОМПА́НИЯ *ж* авиакомпания (авиалинияларга ёки самолёт ишлаб чиқарувчи корхоналарга эга бўлган капиталистик бирлашма).

АВИАКОНВЕ́РТ *м* авиаконверт, авиапочта конверти.

АВИАКОНСТРУ́КТОР *м* авиаконструктор (самолёт ва авиадвигателлар конструктори).

АВИАЛИ́НИЯ *ж* авиалиния (транспорт самолётлари муntазам қатнайдиган ҳаво йўли).

АВИАМА́ТКА *ж, р. мн.* **-ток** *уст. то же, что* **авианосец**.

АВИАМАЯ́К *м, р.* **-а́** *то же, что* **аэромая́к**.

АВИАМЕХА́НИК *м* авиамеханик, авиация механиги.

АВИАМОДЕЛИ́ЗМ *м* авиамоделизм, авиамоделчилик.

АВИАМОДЕЛИ́СТ *м* авиамоделист, авиамоделчи.

АВИАМОДЕ́ЛЬ *ж* авиамодель (учиш аппаратлари модели).

АВИАМОДЕ́ЛЬНЫЙ, -ая, -ое авиамоделга ва авиамоделчиликка оид; авиамодель...; авиамоделчилик...; ~ **кружо́к** авиамоделчилик тўгараги.

АВИАМОТО́Р *м* авиамотор, самолёт мотори (двигатели).

АВИАМОТОРОСТРОЕ́НИЕ *с* авиамоторсозлик.

АВИАНО́СЕЦ *м. р.* **-сца** авианосец (самолётлар учиши ва қўниши учун мосланган ҳарбий кема).

АВИАОПРЫСКИВА́НИЕ *с* авиадорилаш, самолётлардан (дори) сочиш; ~ **хло́пковых поле́й** пахта майдонларига самолётлардан (дори) сочиш.

АВИАПОДКО́РМКА *ж, р. мн.* **-мок** *с.-х.* авиаподкормка, авиаўғитлаш (самолётлар ёрдами билан ўғит сочиб экинларни озиқлантириш).

АВИАПО́ЧТА *ж* авиапочта, ҳаво почтаси.

АВИАПРОМЫ́ШЛЕННОСТЬ *ж* авиация саноати, самолётсозлик саноати.

АВИАРАЗВЕ́ДКА *ж, р. мн.* **-док** авиаразведка, авиация разведкаси.

АВИАСВЯ́ЗЬ *ж* авиаалоқа (самолётлар билан ва улар ўртасидаги алоқа).

АВИАСИГНА́ЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое ҳаводаги самолётларга сигнал бериш билан боғлиқ, шунинг учун хизмат қиладиган; авиасигнал...; ~**ый пост** авиасигнал пости; ~**ое поло́тнище** авиасигнал чойшаби.

АВИАСОЕДИНЕ́НИЕ *с* авиацион бирлашма (авиация дивизияси ёки корпуси).

АВИАСТРОЕ́НИЕ *с* авиасозлик, самолётсозлик.

АВИАСТРО́ИТЕЛ/Ь *м* авиасоз, самолётсоз; **сове́тские** ~**и** совет авиасозлари.

АВИАСЪЁМКА *ж, р. мн.* **-мок** авиасъёмка (самолётдан Ерни ва ундаги объектларни суратга олиш).

АВИАТЕ́ХНИК *м* авиатехник.

АВИАТЕ́ХНИК/А *ж* авиатехника, авиация техникаси; **эксплуата́ция** ~**и** авиатехникадан фойдаланиш.

АВИА́ТОР *м* 1 учувчи; 2 авиатор, авиация мутахассиси.

АВИАТРА́НСПОРТ *м* авиатранспорт, ҳаво транспорти.

АВИАТРА́ССА *ж то же, что* **авиали́ния**.

АВИАЦИО́ННЫЙ, -ая, -ое авиацияга оид; авиацион; авиация...; ~**ая промы́шленность** авиация саноати; ~**ые прибо́ры** авиация асбоблари; ~ **ый дви́гатель** авиацион двигатель, самолёт двигатели.

АВИА́ЦИЯ *ж* авиация (1 ҳаводан оғир аппаратларда учиш назарияси ва практикаси; 2 ҳаво флоти; **гражда́нская** ~ граждан авиацияси; **вое́нная** ~ ҳарбий авиация; **тра́нспортная** ~ транспорт авиацияси).

www.ziyouz.com kutubxonasi

АВИАЧАСТЬ *ж* авиақисм, авиация қисми (*мас.*, авиация полки).

АВИАШКО́ЛА *ж* авиашкола (учувчилар мактаби).

АВИАЭСКАДРИ́ЛЬЯ, *ж, р. мн.* **-лий** авиаэскадрилья, авиацион эскадрилья.

АВИЕ́ТКА *ж, р, мн.* **-ток** авиетка (камқувват моторли бир ёки икки ўринли самолёт).

АВИ́ЗО I *с нескл. бухг.* авизо (юборилган пул, мол, вексель ва ш. к. ҳақида олувчига йўлланган хабарнома).

АВИ́ЗО II *с нескл.* авизо (айрим мамлакатлар ҳарбий флотида: разведка ва соқчилик хизмати учун қўлланиладиган тезюрар кичик кема).

АВИТАМИНО́З *м мед.* авитаминоз (витаминлар етишмаслиги натижасида рўй берадиган касаллик).

АВО́СЬ *частица разг.* шояд; ажаб эмас; балки; **~ он придёт** шояд у келиб қолса; балки у келиб қолар; ажаб эмас, у келиб қолса;

✦ **на ~** *нареч.* тавакалига, тавакқал қилиб; **идти́ на ~** тавакқал қилиб бормоқ; тавакқалига юрмоқ.

АВО́СЬКА *ж, р. мн.* **-сек** *разг.* тўр халта, раззоқ халта.

АВРА́Л *м* 1 *мор.* аврал (кеманинг бутун шахсий составини ёпирилиб қиладиган иш); 2 *перен. разг.* ура-урачилик, ҳайбаракаллачилик, ишни ура-урасига олиш.

АВРА́ЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое ёпирилиб қилинадиган, аврал; **~ая рабо́та** аврал иш, ёпирилиб қилинадиган иш; ёпирилиб ишлаш.

АВРА́Н *м бот.* сафроўт.

АВСТРАЛИ́ЕЦ *м, р.* **-и́йца** австралиялик киши, австралиялик; *см.* **австрали́йцы.**

АВСТРАЛИ́ЙКА *ж, р. мн.* **-и́ек** австралиялик аёл; *см.* **австрали́йцы.**

АВСТРАЛИ́ЙСКИ/Й, -ая, -ое Австралияга ва австралияликларга оид; Австралия...; австралиялик(лар)...; **~е языки́** австралияликларнинг тиллари.

АВСТРАЛИ́ЙЦЫ *мн. (ед.* **австрали́ец** *м,* **австрали́йка** *ж)* австралияликлар (Австралиянинг тубжой халқлари; Австралиянинг ҳозирги халқлари).

АВСТРИ́ЕЦ *м, р.* **-и́йца** австриялик киши, австриялик; *см.* **австри́йцы.**

АВСТРИ́ЙКА *ж, р. мн.* **-и́ек** австриялик аёл; см. **австри́йцы.**

АВСТРИ́ЙСКИЙ, -ая, -ое Австрияга ва австрияликларга оид; Австрия...; австриялик(лар)...

АВСТРИ́ЙЦЫ *мн. (ед.* **австри́ец** *м,* **австри́йка** *ж)* австрияликлар (Австриянинг асосий аҳолисини ташкил этган, герман тиллари группасига мансуб тилда сўзлашувчи халқ).

АВТАРКИЯ *ж книжн.* автаркия (1 капиталистик давлатларнинг бошқа давлатлар экономикасига боғлиқ бўлмаган мустақил миллий хўжалик яратишга қаратилган реакцион сиёсати; 2 зарур нарсаларни четдан олмасдан ўзи етказишга асосланган миллий хўжалик системаси).

АВТОАТЛАС *м* автоатлас, автомобиль йўллар атласи; **крупномасшта́бный ~** йирик масштабли автоатлас.

АВТОБА́ЗА *ж* автобаза, автомобиллар базаси.

АВТОБИОГРАФИ́ЧЕСК/ИЙ, -ая, -ое автор биографиясидан иборат бўлган, автобиографик; **~ая по́весть** автобиографик повесть.

АВТОБИОГРАФИ́ЧНЫЙ, -ая, -ое; -чен, -чна автор биографиясига оид маълумотларни ўз ичига олган, автор биографиясига яқин.

АВТОБИОГРА́ФИЯ *ж* автобиография, бирор шахснинг ўзи ёзган таржимаи ҳоли.

АВТОБЛО́КИРОВКА *ж ж.-д.* автоблокировка (поездлар қатновини тартибга солиб турадиган автоматик сигнализация системаси).

АВТО́БУС *м* автобус.

АВТО́БУСН/ЫЙ, -ая, -ое автобусга оид; автобус(лар)...; **~ый парк** автобуслар парки; **~ое сообще́ние** автобус(лар) қатнови.

АВТОВЕ́СЫ *мн.* автотарози (юкли автомобиль ва прицепларни тортадиган тарози).

АВТОВОКЗА́Л *м* автовокзал.

АВТОГАРА́Ж *м* автогараж, автомобиль гаражи.

АВТОГЕМОТЕРАПИ́Я *ж мед.* автогемотерапия (ўз қонини ўзига қуйиш йўли билан даволаш усули).

АВТОГЕ́ННЫЙ: ~ая сва́рка автоген усули билан пайвандлаш; **~ая ре́зка** автоген усули билан қирқиш.

АВТО́ГРАФ *м* автограф (1 автор қўл ёзмаси, автор қўли билан ёзилган нусха; **~ рома́на «Евге́ний Оне́гин»** «Евгений Онегин» романининг автографи; 2 **авторнинг** дастхати ёки имзоси).

АВТОГРАФИ́ЧЕСКИ/Й, -ая, -ое автографга, автор қўл ёзмасига оид, автографдан, дастхатдан иборат бўлган, автографик; **~е материа́лы** автографик материаллар.

АВТОГРЕЙДЕР *м* автогрейдер, ўзиюрар грейдер.

АВТОГРЕЙДЕРИ́СТ *м* автогрейдерчи, автогрейдер ҳайдовчи.

АВТОГУЖЕВО́Й: ~ тра́нспорт автомобиль ва от-улов транспорти.

АВТОДИСПЕ́ТЧЕР *м* автодиспетчер, автоматик диспетчер.

АВТОДОРО́ГА *ж* автойўл, автомобиллар қатнайдиган йўл.

АВТОДОРО́ЖНИК *м* йўлсоз, йўл қурувчи ишчи, мутахассис.

АВТОДОРО́ЖН/ЫЙ, -ая, -ое автойўллар қуриш ва улардан фойдаланишга оид; **~ый те́хникум** автомобиль йўллари техникуми; **~ое управле́ние** автомобиль йўллари бошқармаси.

АВТОДРЕЗИ́НА *ж* автодрезина, моторли дрезина.

АВТОДРО́М *м* автодром (автопойга ўтказиладиган ва автомобиллар синаладиган майдон).

АВТОЖИ́Р *м ав.* 1 *уст. то же, что* **вертолёт**; 2 автожир (вертикал ўқ атрофида айланувчи парракли ва самолётдаги каби пропеллерли вертолёт).

АВТОЗАВО́Д *м* автозавод, автомобиль заводи.

АВТОЗАВО́ДЕЦ *м, р.* **-дца** автозавод ходими, ишчиси.

АВТОЗАПРА́ВОЧН/ЫЙ: ~ая ста́нция автозаправка станцияси.

АВТОЗАПРА́ВЩИК *м* автозаправшик (транспорт воситаларини ёнилғи ва мой билан таъминловчи цистернали автомобиль).

АВТОИНСПЕ́КТОР *м* автоинспектор, автоинспекция ходими.

АВТОИНСПЕ́КЦИЯ *ж* автоинспекция, автомобиль инспекцияси (автомобилларнинг ва умуман шаҳар транспортининг ҳаракати ва улардан тўғри фойдаланишни назорат қилиб турувчи давлат органи).

АВТОКАМЕ́РА *ж* автокамера, автомобиль камераси.

АВТОКА́Р *м* автокар (саноат корхоналарида ички транспорт сифатида фойдаланиладиган ўзиюрар арава).

АВТОКЛА́В *м* автоклав (нарсаларни юқори босим остида қиздириш учун ишлатиладиган герметик қопқоқли идиш, аппарат).

АВТОКОЛО́ННА *ж* 1 автоколонна, автомобиллар колоннаси; 2 автоколонна (автобазанинг бир нечта автомобили бўлган филиали, бўлими).

АВТОКОРМУ́ШКА *ж, р. мн.* **-шек** автоохур; автодонхўрак; **~ для птиц** паррандалар учун автодонхўрак.

АВТОКРА́Н *м* автокран (автомобилга ўрнатилган ўзиюрар кран).

АВТОКРАНОВЩИ́К *м, р.* **-а́** автокранчи (автокранни бошқарувчи шофер).

АВТОКРА́Т *м книжн.* автократ, ҳокими мутлақ (якка ўзи ҳокимлик қилувчи подшоҳ, монарх).

АВТОКРАТИ́ЧЕСКИЙ, -ая, -ое *книжн.* якка ҳокимиятчиликка, абсолютизмга асосланган, абсолютистик, автократик.

АВТОКРА́ТИЯ *ж книжн. то же, что* **абсолюти́зм.**

АВТО́Л *м* автол (автомобиль ва трактор двигателлари учун ишлатиладиган мой).

АВТОЛА́ВКА *ж, р. мн.* **-вок** автолавка, автодўкон.

АВТОЛЮБИ́ТЕЛЬ *м* автоҳаваскор, автомобиль ҳаваскори, ишқибози.

АВТОМАГИСТРА́ЛЬ *ж* автомагистраль (катта серқатнов автомобиль йўли).

АВТОМА́Т *м* автомат (1 белгиланган ишни ички механизмлар ёрдамида ўзи бажарадиган машина, аппарат,

www.ziyouz.com kutubxonasi

асбоб; **токáрный ~ токарлик автомати**; **телефóн = ~** автомат телефон; 2 *воен.* тезотар автоматик қурол, пистолет-автомат; 3 *перен.* машина сингари ғайриихтиёрий иш қиладиган одам).

АВТОМАТИЗАЦИЯ *ж* 1 автоматизация, автоматлаштириш; **~ произвóдства** ишлаб чиқаришни автоматлаштириш; 2 автоматлашиш, ғайриихтиёрий, машинал даражага келиш (ҳаракат ҳақида).

АВТОМАТИЗИ́РОВАТЬ 1 *сов.* и *несов.* автоматлаштирмоқ; автоматизм даражасига кўтарилмоқ; 2 *несов. страд. от* **автоматизи́ровать**.

АВТОМАТИ́ЗМ *м* автоматизм (1 ғайриихтиёрий равишда ҳаракат қилиш; ҳаракатнинг ғайриихтиёрийлиги; машинал, беихтиёр ҳаракат; 2 баъзи органларнинг, мас., юракнинг ўз-ўзидан ишлаши).

АВТОМА́ТИК/А *ж* автоматика (1 фан ва техниканинг ишлаб чиқариш ва бошқариш процессларини автоматлаштириш назарияси ва методикаси билан шуғулланувчи тармоғи; 2 автоматик машиналар, механизмлар мажмуи; **отлáдить ~у** автоматикани созламоқ).

АВТОМА́ТИЧЕСКИ *нареч.* ғайриихтиёрий равишда, беихтиёр, ўйламасдан, машинал.

АВТОМА́ТИЧЕСК/ИЙ, -ая, -ое 1 автоматик равишда ишлайдиган, автоматик, автомат; **~ий тóрмоз** автоматик тормоз; **~ая телефóнная стáнция** автоматик телефон станцияси; 2 ғайриихтиёрий равишда содир бўладиган, беихтиёр, машинал; **~ие движéния** беихтиёр ҳаракатлар, машинал ҳаракатлар.

АВТОМА́ТИЧНЫЙ, -ая, -ое; -чен, -чна *то же, что* **автомати́ческий** 2.

АВТОМА́ТН/ЫЙ, -ая, -ое автоматга оид; автомат учун белгиланган; автомат..; **~ая сталь** автомат пўлати (автомат станокларда ишлаш учун белгиланган пўлат нави); **~ая óчередь** автоматдан қаторасига ўқ узиш; автоматдан қаторасига узилган ўқлар.

АВТОМА́ТЧИК *м* автоматчи (1 автомат станокда ишловчи ишчи; 2 автомат пистолет билан қуролланган жангчи).

АВТОМА́ТЧИЦА *ж* автоматчи, автомат станокда ишловчи аёл.

АВТОМАШИ́НА *ж* автомашина, автомобиль.

АВТОМЕХА́НИК *м* автомеханик.

АВТОМОБИЛЕСТРОЕ́НИЕ *с* автомобилсозлик.

АВТОМОБИЛЕСТРОИ́ТЕЛЬНЫЙ, -ая, -ое автомобилсозликка оид; автомобилсозлик...; **~ завóд** автомобилсозлик заводи.

АВТОМОБИЛИ́ЗМ *м* автомобилизм (1 автомобиль иши, автомобиллар қуриш ва автомобиль саноатини ривожлантириш иши; 2 автомобиль спорти).

АВТОМОБИЛИ́СТ *м* автомобилист, автомобилчи (1 автомобиль иши бўйича мутахассис; 2 автомобиль ҳайдовчи; автомобиль спорти билан шуғулланувчи спортчи).

АВТОМОБИ́Л/Ь *м* автомобиль, автомашина; **легкóй ~ь** енгил автомобиль; **гóночный ~ь** пойга автомобили; **управля́ть ~ем** автомобиль ҳайдамоқ; **éхать на ~е** автомобилда юрмоқ.

АВТОМОБИ́ЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое автомобилга оид; автомобиль...; **~ый трáнспорт** автомобиль транспорти, автотранспорт; **~ая промы́шленность** автомобиль саноати.

АВТОМОТРИ́СА *ж* автомотриса (мустақил моторли темир йўл вагони).

АВТОНОМИ́ЗМ *м* автономизм, мухториятчилик.

АВТОНОМИ́СТ *м* автономист, автономия тарафдори, автономиячи.

АВТОНО́МИЯ *ж* автономия, ўз-ўзини мустақил идора қилиш ҳуқуқи, мухторият; **национáльная ~** миллий автономия; **территориáльная ~** территориал автономия.

АВТОНО́МНОСТЬ *ж* автономлик, мухториятга, автономия ҳуқуқига эгалик, мухторлик; **~ управлéния** 1) идора усулининг автономлиги, мустақиллиги; 2) *тех.* бошқарув қурилмасининг мустақиллиги.

АВТОНО́МН/ЫЙ, -ая, -ое; -мен, -мна 1 автономия ҳуқуқига эга, автономияли, автоном, мухтор; **~ая респýблика** автоном республика; **~ая óбласть** автоном область; 2 *тех.* мустақил; **~ое управлéние** мустақил бошқарув қурилмаси.

АВТОПА́РК *м* автопарк, автомобиллар парки (1 автомобиллар турадиган ва ремонт қиладиган жой; 2 бирор хўжаликка қарашли автомобиллар мажмуи).

АВТОПЕРЕДВИ́ЖКА *ж, р. мн.* **-жек** автопередвижка (автомобилга ўрнатилган кўчма устахона, установка).

АВТОПИЛО́Т *м* автопилот (учиш аппаратларини автоматик равишда бошқарадиган қурилма).

АВТОПЛУ́Г *м* автоплуг, моторли плуг.

АВТОПОГРУ́ЗЧИК *м* автопогрузчик (юк ортувчи ва туширувчи ўзиюрар машина).

АВТОПО́ЕЗД, *м, мн.* -á автопоезд (автомобилга ёки тягачга тиркалган бир нечта прицепдан иборат состав).

АВТОПО́ЙЛКА *ж, р. мн.* **-лок** автопоилка, автосуғоргич

АВТОПОКРЫ́ШКА *ж, р. мн.* **-шек** автопокришка, автомобиль покришкаси.

АВТОПОРТРЕ́Т *м* автопортрет (рассом ёки ҳайкалтарошнинг ўзи ишлаган ўз портрети).

АВТОПРИЦЕ́П *м* автоприцеп, автомобиль прицепи.

АВТОПРОБЕ́Г *м* автопойга, автомобиллар пойгаси.

АВТОПРОМЫ́ШЛЕННОСТЬ *ж* автомобиль (автомобилсозлик) саноати.

АВТОПУТЕВОДИ́ТЕЛ/Ь *м* автомобилчиларга йўл кўрсатгич, саёҳатнома; **доро́жные ~и** автомобилчилар учун йўл кўрсатгичлар.

А́ВТОР *м* автор, муаллиф; **~ пóвести** повесть автори; **~ симфóнии** симфония автори; **~ проéкта** лойиҳа муаллифи.

АВТОРЕМО́НТНЫ/Й, -ая, -ое автомобиль ремонтига оид, автомобилларни ремонт қиладиган; авторемонт...; **~е мастéрские** авторемонт устахоналари.

АВТОРЕФЕРА́Т *м* автореферат (илмий асарнинг автори ёзган реферат); **~ диссертáции** диссертация авторефе-рати.

АВТОРИЗО́ВАННЫЙ, -ая, -ое 1 *прич. от* **авторизова́ть**; 2 *в знач. прил.* авторлаштирилган, автор розилиги билан қилинган, автор маъқуллаган; **~ перевóд** авторлаштирилган таржима.

АВТОРИЗОВА́ТЬ, -зу́ю, -зу́ешь *сов.* и *несов. что* авторлаштирмоқ (нашр этиш, кўпайтириш ва ш. к. мақсадлар учун тайёрланган ўз асарини маъқулламоқ).

А́ВТОРИТА́РНЫЙ, -ая, -ое; -рен, -рна *книжн.* авторитар (ҳокимият, диктатура, обрў ва ш. к. га кўр-кўрона ва сўзсиз бўйсунишга асосланган); **~ фашúстский режúм** авторитар фашизм тузуми.

АВТОРИТЕ́Т *м* 1 обрў, нуфуз, эътибор; **по́льзоваться ~ом** обрўга эга (обрўли) бўлмоқ; **завоева́ть ~** обрў қозонмоқ, обрў орттирмоқ, обрўга эришмоқ; **теря́ть ~** обрўсини йўқотмоқ, 2 бирор соҳада обрў-эътибор қозонган, эътиборли, нуфузли одам; **он — большóй ~ в хи́мии** у химияда катта эътибор қозонган одам.

АВТОРИТЕ́ТНО *нареч.* қатъий ишонч билан; ҳукмфармо оҳангда; **~ заявля́ть** қатъий ишонч билан айтмоқ; ҳукмфармо оҳангда айтмоқ.

АВТОРИТЕ́ТНОСТЬ *ж* 1 обрўлилик, обрўга, нуфузга эгалик; 2 ишончлилик, эътиборлилик, мўътабарлик; **~ мнéния** фикрнинг ишончлилиги, эътиборлилиги.

АВТОРИТЕ́ТН/ЫЙ, -ая, -ое; -тен, -тна 1 обрўга эга бўлган, обрўли, нуфузли, эътиборли; **~ый учёный** обрўли олим; 2 ишончли, эътиборли, мўътабар; **~ое мнéние** ишончли фикр; **свéдения, полýченные из ~ых истóчников** мўътабар манбалардан олинган маълумотлар; 3 қатъий ишонч руҳидаги, эътирозга йўл қўймайдиган; **~ый тон** қатъий ишонч руҳидаги тон, ҳукмфармо оҳанг.

АВТОРСК/ИЙ, -ая, -ое 1 авторга оид, авторларга тегишли; авторлик...; автор...; **~ие попрáвки** автор тузатишлари, автор киритган тузатишлар; **~ий экземпля́р** муаллиф нусхаси, авторга тегишли нусха; **~ий коллекти́в** авторлар коллективи; **~ое прáво** авторлик ҳуқуқи; 2 *в знач. сущ.* **~ие** *мн. разг.* автор ҳақи, авторга тегишли гонорар, қалам ҳақи.

АВТОРСТВО *с* авторлик, муаллифлик; **установи́ть *чьё-л.* ~** кимсанинг авторлигини аниқламоқ.

www.ziyouz.com kutubxonasi

АВТОРУ́ЧКА *ж, р. мн.* **-чек** авторучка, автоматик ручка.

АВТОСА́НИ *мн., р.* **-не́й** *уст.* авточана (қорда юрадиган автомобиль); *см.* **снегохо́д.**

АВТОСПО́РТ *м* автоспорт, автомобиль спорти, пойгаси.

АВТОСТА́НЦИЯ *ж* автостанция, автомобиллар станцияси.

АВТОСТО́П *м* автостоп (1 *ж.-д.* поездни автоматик равишда тўхтатадиган қурилма; 2 туристларга йўловчи машинани тўхтатиш ва унга тушиб олиш ҳуқуқини берадиган ҳужжат; **путеше́ствовать по ~у** автостопдан фойдаланиб саёҳат қилмоқ.

АВТОСТРА́ДА *ж* автострада (автомобиллар қатнови учун махсус қурилган ва ускуналанган катта йўл).

АВТОСТРА́ДНЫЙ, -ая, -ое автострадага оид; автострадаларда юрадиган; автострадалар учун белгиланган; **~е маши́ны** автострадалар учун мўлжалланган машиналар.

АВТОСЦЕ́ПКА, *ж, р. мн.* **-пок** автосцепка (вагонларни бир-бирига ва локомотивга автоматик равишда улайдиган механизм).

АВТОТЕЛЕ́ЖКА, *ж, р. мн.* **-жек** *то же, что* **автока́р.**

АВТОТИ́ПИЯ *ж полигр.* автотипия (1 сурат, фотографик тасвир ва ш. к. ни фотомеханик йўл билан чоп этиш усули; 2 шу усул билан босилган сурат).

АВТОТО́РМОЗ *м ж.-д.* автотормоз, автоматик тормоз.

АВТОТРА́КТОРН/ЫЙ, -ая, -ое автомобиль ва трактор ишлаб чиқарадиган; автомобиль ва трактор ишлаб чиқарадиган; **~ый парк совхо́за** совхознинг автомобиль ва тракторлар парки; **~ая промы́шленность** автомобиль ва трактор саноати.

АВТОТРА́НСПОРТ *м* автотранспорт, автомобиль транспорти; **городско́й ~** шаҳар автотранспорти.

АВТОТРАНСПО́РТНЫЙ, -ая, -ое автотранспортга оид, автотранспорт...

АВТОТРАНСФО́РМАТОР *м* автотрансформатор.

АВТОТРА́ССА *ж* автомобиль йўли; **скоростна́я ~** автомобиллар катта тезлик билан юрадиган йўл.

АВТОТУ́РИЗМ *м* автотуризм, автомобиль саёҳати, автомобилда саёҳат қилиш; **люби́тели ~а** автотуризм ишқибозлари.

АВТОТУ́РИСТ *м* автотурист, автомобилда саёҳат қилувчи; автотуризм ишқибози.

АВТОФУ́РГОН *м* автофургон, соябонли автомобиль.

АВТОХТО́ННЫ/Й, -ая, -ое автохтон (бирор жойнинг ўзига хос бўлган, шу жойда юзага келган, маҳаллий); **~е поро́ды** *геол.* автохтон жинслар.

АВТОХТО́НЫ *мн. (ед.* **автохто́н** *м)* 1 *то же, что* **аборигены́** 1; 2 автохтонлар (бирор жойга хос, шу жойда эволюция жараёнида юзага келган ўсимлик, жонивор ва ҳ. к.).

АВТОЦИСТЕ́РНА *ж* автоцистерна, цистернали автомобиль.

АВТОШИ́НА *ж* автошина, автомобиль шинаси.

АГА́ I *межд.* ҳа, аҳа; энди қалайсан; **~, попа́лся!** ҳа, қўлга тушдингми!; энди қалайсан, қўлга тушдингми!

АГА́ II *частица прост.* ҳа, ҳа-да; **ви́дишь?— Ага́, ви́жу** кўряпсанми?— Ҳа, кўряпман.

АГА́ВА *ж* агава (катта-катта баргли тропик ўсимлик; СССРнинг жанубида зийнат учун экилади).

АГА́Р-АГА́Р *м* агар-агар (баъзи сув ўсимликларидан тайёрланадиган дирилдоқ модда).

АГА́Т *м мин.* ақиқ.

АГА́ТОВ/ЫЙ, -ая, -ое ақиққа оид; ақиқдан қилинган; ақиққа ўхшаган; ақиқ...; **~ая ва́за** ақиқ ваза; ✦ **~ые глаза́** чақноқ қора кўз(лар).

АГГЛЮТИНАТИ́ВН/ЫЙ, -ая, -ое 1 *прил. от* **агглютина́ция** 1 агглютинатив; агглютинацияланиш...; **~ая спосо́бность кровяно́й сы́воротки** қон сывороткасининг агглютинацияланиш (чўкиш) хусусияти; 2 *прил. от* **агглютина́ция** 2 агглютинатив, агглютинацияланувчи, **~ые языки́** агглютинатив тиллар (сўзлари агглютинация йўли билан ясалувчи ва ўзгарувчи тиллар).

АГГЛЮТИНА́ЦИЯ *ж* агглютинация (1 *биол.* қизил ва оқ қон таначалари ва бошқа зарраларнинг бир-бирига ёпишиб ғужланиши, чўкиши; 2 *лингв.* айрим тилларнинг, шу жумладан ўзбек тилининг, грамматик қурилишига хос хусусият — грамматик шакл ва ясама сўзларнинг сўз ўзаги ёки негизига аффикслар қўшилиши натижасида ясалиши).

АГГЛЮТИНИРУЮЩИ/Й, -ая, -ее *то же, что* **агглютинати́вный** 2; **~е языки́** агглютинатив (агглютинацияланувчи) тиллар.

АГЕ́НТ I *м* 1 агент, вакил; **дипломати́ческий ~** дипломатик вакил; **страхово́й ~** страхование агенти (вакили); **~по снабже́нию** таъминот агенти; 2 агент, гумашта (бирор ерда бошқаларнинг манфаати учун хизмат қилувчи шахс); 3 жосус, шпион, айғоқчи, агент; **~ иностра́нной разве́дки** чет эл разведкасининг агенти.

АГЕ́НТ II *м спец.* агент, омил.

АГЕ́НТСКИ/Й, -ая, -ое агентга, вакилга оид; **~е обя́занности** агент вазифалари.

АГЕ́НТСТВО *с* 1 агентлик, бўлим; ваколатхона; **ба́нковское ~** банк агентлиги (бўлими, ваколатхонаси); 2 агентлик (ахборот тўплаш ва тарқатиш, бирор хизмат кўрсатиш ва ш. к. ишлар билан шуғулланувчи муассаса); **телегра́фное ~** телеграф агентлиги; **тра́нспортное ~** транспорт агентлиги.

АГЕНТУ́Р/А *ж* 1 агентура; разведка иши, хизмати; айғоқчилик; **вра́жеская ~а** душман агентураси, разведкаси; 2 *собир.* агентлар, вакиллар; **страхова́я ~а** страхование агентлари (вакиллари); 3 *собир.* агентлар, жосуслар, айғоқчилар, шпионлар; **засыла́ть ~у** агентура (жосуслар, айғоқчилар, шпионлар) юбормоқ.

АГЕНТУ́РН/ЫЙ, -ая,- ое агентурага, разведка хизматига оид; агентура...; **~ые све́дения** агентура маълумотлари; **~ая разве́дка** агентура разведкаси.

АГИОГРА́ФИЯ *ж* авлиё-анбиёлар қиссаси; қиссасул анбиё.

АГИТА́ТОР *м* агитатор, ташвиқотчи; **се́льские ~ы** қишлоқ агитаторлари.

АГИТАТО́РСКИ/Й, -ая, -ое агитаторга оид, агитаторларга хос бўлган; агитаторлик...; **~е спосо́бности** агитаторлик қобилияти.

АГИТАЦИО́ННО-МАССО́ВЫЙ, -ая, -ое *то же, что* **агитма́ссовый.**

АГИТАЦИО́НН/ЫЙ, -ая, -ое ташвиқот ишларига, ташвиқотчиликка оид; агитацион; агитация...; ташвиқий; **~ая рабо́та** агитация (ташвиқот) иши; **~ая литерату́ра** агитацион (ташвиқий) адабиёт.

АГИТА́ЦИЯ *ж* 1 агитация, ташвиқот; **предвы́борная ~** сайлов олди агитацияси; 1 *разг. по гл.* **агити́ровать** 2.

АГИТБРИГА́ДА *ж* агитбригада, агитаторлар бригадаси.

АГИТГРУ́ППА *ж* агитгруппа, агитаторлар группаси.

АГИТИ́РОВАТЬ *несов.* 1 *за кого-что* агитация қилмоқ, агитацион иш олиб бормоқ, агитация (ташвиқот) юргизмоқ; **~ среди́ молодёжи** ёшлар ўртасида агитация ишлари олиб бормоқ; **~ за кандида́та** кандидат учун агитация юргизмоқ; 2 (*сов.* **агити́ровать**) *кого разг.* қўндиришга ҳаракат қилмоқ, ундамоқ.

АГИТКА *ж, р. мн.* **-ток** *разг.* агитацион адабиёт, плакат ва ш. к.

АГИТКАМПА́НИЯ *ж* агитация (ташвиқот) кампанияси.

АГИТКОЛЛЕКТИ́В *м* агитколлектив, агитаторлар коллективи.

АГИТМАССО́В/ЫЙ, -ая, -ое оммавий агитацион, оммавий ташвиқий; **~ая рабо́та** оммавий ташвиқий ишлар; **~ая литерату́ра** оммавий ташвиқий адабиёт.

АГИТПО́ЕЗД *м* агитация поезди, агитацион поезд.

АГИТПРО́П *м ист.* агитпроп (агитация ва пропаганда бўлими).

АГИТПУ́НКТ *м* агитпункт, агитация пункти.

АГЛОМЕРА́Т *м* агломерат (1 *геол.* ҳар хил тоғ жинслари ва минералларнинг бир-бирига ёпишувидан ҳосил бўлган ғовак тўпламлар; 2 *тех.* руда кукуни ёки парчаларини қориштириб ҳосил қилинган йирик бўлаклар; 3 *перен.* ҳар қандай қурама нарса, қурама).

www.ziyouz.com kutubxonasi

АГНЕЦ *м, р.* **-нца** *книжн. уст.* 1 худойига аталган қўзичоқ; 2 *перен.* мўминтой одам; **кро́ток, как ~** *ирон.* қўзичоқдек (қўйдек) ювош; **прики́нуться а́гнцем** *ирон.* ўзини ювош, мўмин-қобил қилиб кўрсатмоқ.

АГНОСТИ́К *м* агностик, агностицизм тарафдори.

АГНОСТИЦИ́ЗМ *м* агностицизм (объектив дунёни ва унинг қонуниятларини билиш мумкинлигини инкор этувчи идеалистик фалсафий таълимот).

АГОНИЗИ́РОВАТЬ *несов.* ўлим (жон) талвасасига тушмоқ, жон талашмоқ, ҳолати разм бўлиб ётмоқ.

АГО́НИЯ *ж прям.* и *перен.* ўлим (жон) талвасаси, жон талашиш; ҳолати разм.

АГРА́РИЙ *м книжн.* катта ер эгаси, помешчик.

АГРА́РНИК *м разг.* аграрчи (ер ва ундан фойдаланиш масалалари бўйича мутахассис).

АГРА́РНО-ИНДУСТРИА́ЛЬНЫЙ, -ая, -ое *то же, что* **агроиндустриа́льный.**

АГРА́РН/ЫЙ, -ая, -ое ер ва ундан фойдаланиш масалаларига оид, аграр; **~ый вопро́с** аграр масала; **~ая рефо́рма** аграр реформа, ер ислоҳоти; **~ая страна́** аграр мамлакат (экономикасида қишлоқ хўжалиги устун турадиган мамлакат).

АГРА́Ф *м уст.* безакли илгак ёки тўқа.

АГРЕГА́Т *м* агрегат (1 бир неча машинадан иборат мураккаб машина; **убо́рочный ~** йиғим-терим агрегати; 2 мураккаб машиналарнинг маълум вазифани бажарувчи мустақил механизми; 3 *геол.* тоғ жинсини ташкил этган минераллар мажмуи; **грани́т — сло́жный ~ полево́го шпа́та, ква́рца и слюды́** гранит — дала шпати, кварц ва слюдадан таркиб топган мураккаб агрегатдир); ✦ **по́чвенные ~ы** *с.-х.* тупроқ агрегатлари (ёпишиб, қўшилиб йириклашган тупроқ доналари).

АГРЕГА́ТН/ЫЙ, -ая, -ое агрегатга, агрегатларга оид, агрегатлардан таркиб топган, агрегат ҳолидаги; агрегат...; **~ый стано́к** агрегат станок; ✦ **~ое состоя́ние вещества́** *физ.* модданинг агрегат ҳолати (айни бир модданинг температура ва босим ўзгариш билан боғлиқ ҳолда олиши мумкин бўлган қаттиқ, суюқ, газ ёки плазма ҳолати).

АГРЕМА́Н *м дипл.* агреман (бирор мамлакатга элчи сифатида тавсия этилган кишининг келишига шу мамлакат ҳукуматининг розилиги).

АГРЕССИ́ВНО *нареч.* агрессивлик билан, тажовузкорона; **де́йствовать ~** тажовузкорона (агрессив) ҳаракат қилмоқ.

АГРЕССИ́ВНОСТЬ *ж* агрессивлик, тажовузкорлик.

АМБИ́ЦИ/Я *ж* иззати нафс, нафсоният; жиззакилик; **челове́к с ~ей** нафсонияти кучли одам, сал нарса ҳам иззати нафсига тегаверадиган одам; жиззаки одам; **✦ вломи́ться (или уда́риться, войти́) в ~ю** нафсониятга берилмоқ, иззати нафси олиниб хафа бўлмоқ; жиззакилик қилмоқ.

АМБРА *ж* 1 *спец.* анбар; 2 *уст.* муаттар ҳид; атир.

АМБРАЗУ́РА *ж* 1 *воен.* амбразура, шинак, туйнук; 2 *стр.* эшик, дераза ўрни.

АМБРО́ЗИЯ *ж* 1 юнон афсоналарида илоҳларнинг овқати, озуқа; 2 *перен.* лаззатли таом.

АМБУЛАТО́РИЯ *ж* амбулатория.

АМБУЛАТО́РНО *нареч.* амбулаторияда, амбулатория шароитида; амбулаторияга қатнаб; **лечи́ть ~** амбулаторияда даволамоқ; **лечи́ться ~** амбулаторияга қатнаб даволанмоқ.

АМБУЛАТО́РН/ЫЙ, -ая, -ое амбулаторияга оид; амбулатория...; **~ый врач** амбулатория врачи; **~ое лече́ние** амбулаторияга қатнаб даволаниш; амбулаторияда даволаш; амбулаторияда олинадиган даво; **~ый больно́й** амбулаторияга қатнаб даволанувчи бемор.

АМВО́Н *м церк.* черковда алтарга кираверишдаги баланд жой, минбар.

АМЁБА *ж зоол.* амёба.

АМЕРИКАНЕ́Ц *м, р.* **-нца** америкалик; *см.* **америка́нцы.**

АМЕРИКАНИ́ЗМ *м лингв.* американизм (инглиз тилининг Америкага хос лексик элементи ёки хусусияти).

АМЕРИКА́НКА *ж, р. мн.* **-нок** американка, америкалик аёл; *см.* **америка́нцы.**

АМЕРИКА́НСКИЙ, -ая -ое Америкага ва америкаликларга оид; Америка...; америкалик(лар)...; америкача; **~ империали́зм** Америка империализми; **~ о́браз жи́зни** америкача ҳаёт тарзи.

АМЕРИКА́НЦЫ *мн. (ед.* **америка́нец** *м,* **америка́нка** *ж* Америка Қўшма Штатларининг аҳолиси, Америка халқи.

АМЕРИ́ЦИЙ *м* америций (радиоактив элемент).

АМЕТИ́СТ *м* аметист (сафсар ёки кўкиш сафсар рангли минерал, қимматбаҳо тош).

АМЕТИ́СТОВЫЙ, -ая, -ое аметистга оид; аметистдан қилинган; аметист...; **~е се́рьги** аметист кўзли зирак; **~е при́иски** аметист конлари.

АМИ́НЬ 1 *частица* омин; 2 *в знач. сущ.* **~** *м разг.* фотиҳа; **ему́ пришёл ~** унинг фотиҳаси ўқилди (яъни у тамом бўлди, ўлди; унинг куни битди).

АММИА́К *м хим.* аммиак.

АММИА́ЧН/ЫЙ, -ая, -ое 1 аммиакка оид, аммиак...; **~ый заво́д** аммиак заводи; 2 таркибида аммиак бўлган, аммиакли; **~ая сели́тра** аммиакли селитра, аммоний нитрат; **~ая вода́** аммиакли сув, аммиакнинг сувдаги эритмаси; навшадил спирт.

АММОНА́Л *м хим.* аммонал (портловчи модда).

АММО́НИЕВ/ЫЙ, -ая, -ое аммонийга оид; таркибида аммоний бўлган, аммонийли; **~ая сели́тра** аммонийли селитра, аммоний нитрат.

АММО́НИЙ *м* аммоний (азот ва водород атомларидан иборат химиявий группа); **хло́ристый ~** аммоний хлорид, навшадил; **азотноки́слый ~** аммоний нитрат, аммонийли селитра.

АММОНИ́ТЫ *мн. (ед.* **аммони́т** *м)* 1 *палеонт.* аммонитлар, қазилма моллюскалар; 2 *хим.* аммонитлар (аммонийли портловчи аралашмалар).

АМНИСТИ́РОВАТЬ *сов. и несов. кого-что* амнистия қилмоқ, амнистия бўйича афв этмоқ, гуноҳидан ўтмоқ, жазодан озод қилмоқ.

АМНИ́СТИЯ *ж* амнистия, афв умумий.

АМОРАЛИ́ЗМ *м* аморализм, ахлоқсизлик (ахлоқ қоидаларини ва умуман ахлоқни инкор этиш, бузиш).

www.ziyouz.com kutubxonasi

АМОРА́ЛЬНОСТЬ *ж* амораллик, ахлоқсизлик, бадахлоқлик; ахлоқ қоидаларига хилофлик; ~ **поведе́ния** юриш-туришнинг ахлоқсизлиги.

АМОРА́ЛЬНЫЙ, -ая, -ое; -лен, -льна 1 аморал, ахлоқ қоидаларига хилоф, ахлоқсиз; ~ **посту́пок** ахлоқсиз хатти-ҳаракат; 2 ахлоқсиз, ахлоқи бузуқ, бадахлоқ; ~ **челове́к** ахлоқсиз (ахлоқи бузуқ) одам.

АМОРТИЗА́ТОР *м тех.* амортизатор.

АМОРТИЗАЦИО́ННЫЙ, -ая, -ое 1 *эк. фин.* амортизацияга оид, амортизацион; амортизация...; ~**ый срок** амортизация муддати; ~**ые отчисле́ния** амортизацион чегирма; амортизация учун ажратилган ёки чегириб қолинадиган маблағлар; 2 *тех.* амортизация учун хизмат қиладиган, амортизацияловчи, амортизацион; амортизация...; ~**ые устро́йства** амортизация қурилмалари; ~**ая пружи́на** амортизацияловчи пружина.

АМОРТИЗА́ЦИЯ *ж* амортизация (1 *эк. фин.* бино, иншоот, машина ва ш. к. қимматининг эскириш, тўзиш натижасида камайиб бориши ва уни қоплаш учун белгиланган чегирма; 2 *тех.* урилиш зарбини камайтириш, юмшатиш).

АМОРТИЗИ́РОВАТЬ *сов.* и *несов. что* 1 *эк. фин.* амортизация қилмоқ, амортизацияламоқ (амортизация миқдорини белгиламоқ ва уни қоплаш учун маблағ ажратмоқ ёки чегирмоқ); 2 *тех.* амортизацияламоқ, зарбни, урилишни юмшатмоқ.

АМО́РФНОСТЬ *ж* аморфлик, кристалланмаганлик; аморф ҳолат.

АМО́РФН/ЫЙ, -ая, -ое; -фен, -фна 1 *спец.* аморф, кристалланмаган, кристалл тузилишга эга бўлмаган; ~ **ое вещество́** аморф модда; ~**ый углеро́д** аморф углерод; 2 *книжн.* аморф, шаклсиз; уюшмаган; ✦ ~**ые языки́** *лингв.* аморф тиллар, шаклсиз (сўзлари турланмайдиган) тиллар.

АМПЕ́Р *м* ампер (электр кучи бирлиги).

АМПЕРМЕ́ТР *м* амперметр.

АМПИ́Р *м иск.* ампир (архитектура услубларидан бири); **зда́ние в сти́ле** ~ ампир услубидаги бино.

АМПЛИТУ́ДА *ж* 1 амплитуда (тебраниш кенглиги, ҳолатлари орасидаги масофа); ~ **колеба́ний ма́ятника** тебранувчи жисмнинг мувозанат ҳолати билан энг узоқ маятник тебранишларининг амплитудаси; 2 амплитуда (ўзгариш кенглиги энг катта ўзгаришлар оралиғи); ~ **колеба́ний температу́ры** температура ўзгаришлари амплитудаси; 3 *перен.* кўлам, қулоч; кенглик.

АМПЛИФИКА́ЦИЯ *ж лит.* амплификация (бадиий услубда тасвирни кучайтириш учун бир турдаги сифатловчиларни қатор ишлатиш).

АМПЛУА́ *с нескл.* 1 амплуа (актёрнинг қобилиятига мос роллар тури); **у него́** ~ **ко́мика** унинг амплуаси комиклик (комик роллар); 2 *перен.* роль, вазифа; мавқе; **э́то его́** ~ бу унга мос (боп, унинг қўлидан келадиган) иш.

АМПУ́ЛА *ж* ампула (1 дори ва ш. к. қуйиб оғзи пайвандланган найча; ~ **с я́дом** заҳарли ампула; ампуласи; 2 *анат.* турли органларнинг найча шаклидаги пуфакчаси).

АМПУТА́ЦИЯ *ж* ампутация, кесиб ташлаш; ~ **ноги́** оёқни кесиб ташлаш.

АМПУТИ́РОВАТЬ *сов.* и *несов. что* ампутация қилмоқ, кесиб ташламоқ.

АМУЛЕ́Т *м* тумор ёки тумор ўрнида тақиб юриладиган нарса; ~ **любви́** севги тумори.

АМУНИ́ЦИЯ *ж. уст.* амуниция, аскарий анжом (аскарнинг кийим ва қуролдан бошқа барча керак-яроқлари).

АМУ́Р *м* 1 *миф.* Амур (антик мифологияда: камалак билан қуролланган қанотли бола қиёфасидаги севги худоси); 2 севги, ишқ-муҳаббат рамзи; 3 *мн.* ~**ы** *прост. уст.* севги, ишқ-муҳаббат саргузаштлари (можаролари); ошиқ-маъшуқлик; **запу́таться в** ~**ах** ишқ-муҳаббат можароларига илинмоқ.

АМУ́РНИЧАТЬ *несов. прост. уст.* севги (ишқ-муҳаббат) саргузаштларига берилмоқ, ўйнашмоқ, дон олишмоқ.

АМУ́РН/ЫЙ, -ая, -ое *прост. уст. шутл.* ишқий; ~**ое письмо́** ишқий мактуб; ~**ые дели́шки** ишқ-муҳаббат саргузаштлари.

АМФИ́БИЯ *ж* амфибия (1 *зоол.* ҳам сувда, ҳам қуруқликда яшай оладиган жонивор; 2 *бот.* ҳам сувда, ҳам қуруқликда ўсадиган ўсимлик; 3 ҳам сувда, ҳам қуруқликда юра оладиган танк, автомобиль; сувдан ҳам, ердан ҳам учиб қўна оладиган самолёт).

АМФИБРА́ХИЙ *м лит.* амфибрахий [урғу икки урғусиз бўғин ўртасидаги бўғинга тушадиган уч ҳижо (бўғин)ли шеърий тароқ].

АМФИТЕА́ТР *м* амфитеатр (1 Юнонистон ва қадимги Римда очиқ томошагоҳ ва унинг доиравий ва ярим доиравий, баландлаб борувчи ўринлари; 2 ҳозирги томоша залларида партердан кейинги, баландлаб борувчи ўринлар).

АМФО́РА *ж* амфора (кўзасимон қўшқулоқ сопол идиш).

АН *прост.* 1 *союз противит.* ҳақиқатда эса; бироқ, лекин; **позвони́л бы, ан телефо́н не рабо́тает** қўнғироқ қилар (сим қоқар) эдиму, (бироқ) телефон ишламайди-да; 2 *частица* ҳар ҳолда; йўқ; асло йўқ; **ан нет, не вы́йдет пово́ему** йўқ, асло сен айтгандек (сен ўйлагандек ва ҳ. к.) бўлмайди.

АНАБА́ЗИС *м бот.* болтириқ, қорабароқ (доривор ўт).

АНАБА́ПТИЗМ *м ист.* анабаптизм (христиан дини мазҳабларидан бири).

АНАБА́ПТИСТ *м* анабаптизм мазҳабидаги киши, анабаптист.

АНАБИО́З *м биол.* анабиоз (организм ҳаётий фаолиятининг вақтинча секинлашиб ёки тўхтаб, зарур шароит туғилиши билан яна тикланиши).

АНАГРА́ММА *ж лит.* анаграмма (ҳарфларнинг ўрин алмашинувидан бошқа сўз ясалиши, мас., сон — нос).

АНАКО́НДА *ж* анаконда (бўғма илонларга мансуб энг катта илон).

АНАКРЕОНТИ́ЧЕСК/ИЙ, -ая, -ое анакреонтик; ~**ая поэ́зия** анакреонтик поэзия (ишқ, май, айш-ишратни мадҳ этувчи поэзия).

АНА́ЛИЗ *м* 1 анализ [илмий текшириш (тадқиқот) усули; объектив воқеликни илмий билиш, ўрганиш воситаси]; 2 анализ, таҳлил; таҳлил қилиш; ~ **хозя́йственной де́ятельности колхо́за** колхознинг хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш; ~ **худо́жественного произведе́ния** бадиий асар анализи; бадиий асарни анализ (таҳлил) қилиш; 3 анализ, текшириш (моддаларнинг таркиби қисмларини аниқлаш); **ка́чественный** ~ сифатий анализ; **коли́чественный** ~ миқдорий анализ; **спектра́льный** ~ спектрал анализ; ~ **кро́ви** қон анализи; қонни (қон таркибини) анализ қилиш, текшириш; ✦ **математи́ческий** ~ математик анализ (олий математиканинг бир бўлими).

АНАЛИЗА́ТОР *м* 1 анализатор (анализ қиладиган, текширадиган асбоб); ~ **га́за** газ анализатори; 2 *физиол.* анализаторлар (ташқи таассуротларни қабул қилиб олувчи ва анализ қилувчи система — сезги органлари, мия ва уларни бириктирувчи асаблар).

АНАЛИЗИ́РОВАТЬ *сов.* и *несов. (сов. также* **проанализи́ровать**) *что* анализ қилмоқ, таҳлил қилмоқ, текширмоқ.

АНАЛИ́ТИК *м* 1 аналитик (анализ билан шуғулланувчи мутахассис); 2 анализ (таҳлил) қилишга, ақл-мулоҳаза юритишга мойил ва уста одам.

АНАЛИ́ТИКА *ж разг. то же, что* **аналити́ческая геоме́трия;** *см.* **аналити́ческий.**

АНАЛИТИ́ЧЕСК/ИЙ, -ая, -ое 1 анализга асосланган, аналитик, таҳлилий; ~**ий ме́тод** аналитик (таҳлилий) метод, анализ методи; 2 анализ (таҳлил) қилиш, ақл-мулоҳаза юритиш қобилияти зўр, ўткир; ~**ий ум** анализ қобилияти зўр ақл; 3 анализ учун хизмат қиладиган, аналитик; ~**ие весы́** аналитик тарози; ✦ ~**ая геоме́трия** аналитик геометрия (математиканинг геометрия масалаларини алгебра ва анализ методлари билан ўрганадиган бўлими); ~**ая хи́мия** аналитик химия (химиянинг моддалар таркибини ўрганадиган бўлими); ~ **ие языки́** аналитик тиллар (сўзларнинг ўзаро боғланиш ва муносабатлари сўзларнинг тартиби билан ёки кўмакчилар ва интонация ёрдамида белгиланадиган тиллар).

АНА́ЛОГ *м книжн.* аналог, ўхшашлик, ўхшаш (нарса).

АНАЛОГИ́ЧЕСКИЙ, -ая, -ое 1 аналогияга (ўхшатишга, қиёслашга) асосланган; аналогия...; ~ **ме́тод** аналогия усули; 2 *уст. то же, что* **аналоги́чный.**

www.ziyouz.com kutubxonasi

АНАЛОГИ́ЧНО *нареч.* ўхшаш (ҳолда); сингари, каби; ~ э́тому шунга ўхшаш; шунинг сингари, шундайин.

АНАЛОГИ́ЧНОСТЬ *ж* айнан ўхшашлик, ўхшаганлик, монандлик.

АНАЛОГИ́ЧН/ЫЙ, -ая, -ое; -чен, -чна ўхшайдиган, ўхшаш, айнан бир хил; худди (айни) шундай; монанд; **~ый слу́чай** ўхшаш (худди шундай) ҳол; ўхшаш (худди шундай) воқеа, ҳодиса; **~ое реше́ние** ўхшаш (айни шундай) ечим.

АНАЛО́ГИ/Я *ж* 1 аналогия, ўхшашлик; **по́лная ~я** тўлиқ аналогия, батамом ўхшашлик; **по ~и** ўхшашлиги асосида, ўхшашлигига кўра, ўхшашлигидан фойдаланиб, ўхшатиб, таққослаб, қиёс қилиб; **заключи́ть по ~и** ўхшашлиги асосида хулоса чиқармоқ; таққослаб (қиёс қилиб) хулосага келмоқ; **провести́ ~ю** таққосламоқ, қиёс қилмоқ; 2 аналогия (икки нарса, ҳодиса ва ш. к. нинг бирор жиҳатдан ўхшашлигига қараб, бошқа жиҳатлардан ўхшашлиги ҳақида ҳукм юргизиш усули); 3 *лингв.* аналогия (бир грамматик формани бошқа бир грамматик формага монанд ўзгартириш); 4 *биол.* аналогия, органлар ўхшашлиги.

АНАЛО́Й *м церк.* қия стол (черковда).

АНАЛЬГЕЗИ́Я *ж спец. то же, что* **анальги́я.**

АНАЛЬГИ́Я *ж спец.* анальгия (оғриқ сезиш қобилиятини йўқотиш, этнинг ўлиши).

АНА́ЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое, *анат.* 1 орқа ҳожат йўлига (орқа тешикка) оид; **~ое отве́рстие** орқа ҳожат йўли, орқа тешик; 2 орқа тешик олдидаги ёки ичидаги; **~ый плавни́к** орқа тешик олдидаги сузгич (қанот); **~ые же́лезы** орқа тешик безлари.

АНА́МНЕЗ *м мед.* анамнез (бемордан ўз дарди ҳақида олинган маълумот).

АНАНА́С *м* ананас (ўтсимон тропик ўсимлик ва унинг томошақовоққа ўшаш ҳушбўй ширадор ҳосили).

АНАНА́СН/ЫЙ, -ая, -ое ананасга оид; ананасдан қилинган; ананас...; **~ое варе́нье** ананас мураббоси; **~ые консе́рвы** ананас консерваси.

АНАНА́СОВЫЙ, -ая. -ое *то же, что* **ананасный.**

АНАПЕ́СТ *м лит.* анапест [урғу икки урғусиз бўғиндан кейинги бўғинга тушадиган уч ҳижо (бўғин)ли шеърий турок].

АНА́РХИЗМ *м* анархизм (ҳар қандай давлат ҳокимиятини ва сиёсий курашни инкор этувчи, революцион пролетариат диктатурасига қарши бўлган реакцион майда буржуа оқими).

АНА́РХИСТ *м* анархист, анархизм тарафдори; анархистлар ташкилотининг аъзоси.

АНА́РХИСТКА *ж, р. мн.* **-ток** анархист аёл, анархистка.

АНАРХИ́СТСК/ИЙ, -ая, -ое анархистларга оид; анархистлар учун хос бўлган, анархистларча; анархист(лар)...; **~ая организа́ция** анархистлар ташкилоти; **~ие взгля́ды** анархистларча қарашлар.

АНАРХИ́ЧЕСК/ИЙ, -ая, -ое анархизмга, анархияга оид, анархизм руҳидаги, анархистик; **~ое тече́ние** анархистик оқим.

АНА́РХИЧНЫЙ, -ая, -ое; -чен, -чна анархияга, бошбошдоқликка мойил бўлган, бебош, бошбошдоқ.

АНА́РХИЯ *ж* 1 анархия, ҳокимиятсизлик; 2 анархия (ҳар қандай ҳокимиятни, давлатни инкор этиш); 3 анархия, плансизлик, режасизлик, стихия; **~ произво́дства** ишлаб чиқариш анархияси (капиталистик ишлаб чиқаришдаги плансизлик, режасизлик, стихия); 4 *перен. разг.* анархия, бебошлик, бошбошдоқлик, тартибсизлик, ҳар ким ўз бошига хўжайинлик; **в до́ме цари́ла ~** уйда ҳар ким ўз бошига хўжайин эди; уйда ҳамма нарса остин-устин бўлиб кетган эди.

АНА́РХО-СИНДИКАЛИ́ЗМ *м* анархо-синдикализм (халқаро касабалар союзи ҳаракатида: анархизм руҳидаги оппортунистик майда буржуа оқими).

АНА́РХО-СИНДИКАЛИ́СТ *м* анархо-синдикализм тарафдори, анархо-синдикалист.

АНА́РХО-СИНДИКАЛИ́СТСКИЙ, -ая, -ое анархо-синдикалистларга ва анархо-синдикализмга оид; анархо-синдикализм руҳидаги, анархо-синдикалистик.

АНАРХОТЕРРОРИ́ЗМ *м* анархотерроризм (анархистлар орасида: террорчиликни асос қилиб олган оқим).

АНАРХОТЕРРОРИ́СТ *м* анархотеррорист, анархотерроризм тарафдори.

АНА́ТОМ *м* анатом, анатомия олими, мутахассиси.

АНАТОМИ́РОВАНИЕ *с по гл.* **анатоми́ровать.**

АНАТОМИ́РОВАТЬ *сов.* и *несов. что* ёрмоқ, ёриб кўрмоқ, текширмоқ (ўликни).

АНАТОМИ́ЧЕСКИЙ, -ая, -ое 1 анатомияга оид, анатомик; анатомия...; **~ кабине́т** анатомия кабинети; **~ а́тлас** анатомик атлас; 2 ўликни ёришга, ёриб кўришга оид; шунинг учун белгиланган; ✦ **~ теа́тр** ўликни ёриб кўриладиган махсус бўлма, хона.

АНАТОМИ́ЧКА, *ж, р. мн.* **-чек** *разг. то же, что* **анатоми́ческий теа́тр;** *см.* **анатоми́ческий.**

АНАТОМИ́Я *ж* анатомия (1 тирик организмларнинг тузилиши ҳақидаги фан; **~ челове́ка** одам анатомияси; **~ живо́тных** ҳайвонлар анатомияси; **~ расте́ний** ўсимликлар анатомияси; 2 тирик организмнинг тузилиши; **~ гла́за** кўз анатомияси).

АНА́ФЕМ/А *ж* 1 *церк.* лаънатлаш, динидан чиқариш, муртад деб эълон қилиш, черковдан четлатиш; 2 *прост. бран.* лаънати, малъун; ✦ **преда́ть ~е** лаънат ўқимоқ, лаънатламоқ.

АНА́ФЕМСКИЙ, -ая, -ое *прост.* даҳшатли, мудҳиш, малъун, лаънати; **~ ве́тер** даҳшатли шамол; лаънати шамол.

АНА́ФОРА *ж лит.* анафора (кетма-кет ёки яқин сатрлар, туроқлар, жумлалар бошида бир товуш, сўз ёки иборани қайта-қайта ишлатишдан иборат услуб).

АНАХОРЕ́Т *м книжн. уст.* ёлғизликда яшайдиган, тарки дунё этган одам, зоҳид, гўшанишин.

АНАХРОНИ́ЗМ *м* анахронизм (1 йил ҳисоби ёки тарихий санани кўрсатишда, хронологияда йўл қўйилган хатолик; 2 бир даврни тасвирлашда бошқа бир даврга хос хусусиятларни унга тааллуқли қилиб кўрсатиш; 3 ўз замонасига мос келмайдиган эски қарашлар, урф-одатлар; эскилик, сарқит).

АНАХРОНИ́ЧЕСКИЙ, -ая, -ое 1 анахроник, хронология жиҳатдан нотўғри, хронологияга тўғри келмайдиган; 2 *то же, что* **анахрони́чный.**

АНАХРОНИ́ЧНЫЙ, -ая, -ое; -чен, -чна ўз замонасига мос келмайдиган, эскиликка мансуб, эски.

АНАЭРО́БН/ЫЙ, -ая, -ое *биол.* 1 анаэроб (эркин кислород бўлмаган шароитда яшай оладиган); **~ые бакте́рии** анаэроб бактериялар; 2 анаэроблар туфайли юзага келадиган, анаэроблар тарқатадиган; **~ая инфе́кция** анаэроблар тарқатадиган инфекция; *ср.* **аэро́бный.**

АНАЭРО́БЫ *мн. (ед.* **анаэро́б** *м) биол.* анаэроблар, анаэроб организмлар; *ср.* **аэро́бы.**

АНГАЖЕМЕ́НТ *м уст.* ангажемент, таклифнома (бирор артистни ёки артистларни маълум муддат шартнома бўйича ишлаш учун қилинган таклиф, юборилган таклифнома); **получи́ть ~** таклиф қилинмоқ, таклифнома олмоқ.

АНГАЖИ́РОВАТЬ *сов.* и *несов. кого-что уст.* 1 ангажемент юбориб таклиф этмоқ; 2 рақсга таклиф этмоқ; **~ на мазу́рку** мазуркага таклиф этмоқ.

АНГА́Р *м* ангар (самолёт, вертолёт ва ш. к. турадиган ёки ремонт қилинадиган махсус бино).

А́НГЕЛ *м* 1 фариштa, малак, ҳур, ғилмон; 2 *уст.* яқин ёки севикли кишига мурожаатда эркалаш маъносида ишлатилади; **~ мой!** фариштам!, малагим!, азизим!, жоним!; 3 *перен. чего уст.* яхши фазилатлар, хислатлар мужассами, тимсоли, идеали маъносида ишлатилади; **~ красоты́** гўзаллик тимсоли; ✦ **день ~а** *уст.* иск куни тўйи (байрами); **поздра́вить с днём ~а** иск куни тўйи билан табриклamoқ.

А́НГЕЛЬСКИЙ, -ая, -ое 1 фариштaларга, малакларга оид; 2 *перен. разг.* нозик, ёқимли; фариштaлардек юмшоқ, мулойим; **~ голосо́к** нозик, ёқимли овоз; **~ хара́ктер** фариштaлардек юмшоқ, мулойим характер.

АНГИДРИ́ДЫ *мн. хим.* ангидридлар [бирор модданинг кислород билан бирикишидан, шунингдек кислота таркибидаги сувни қиздириб (ҳайдаб) чиқаришдан ҳосил бўла-

www.ziyouz.com kutubxonasi

диган кимёвий бирикмалар сув билан бирикканда кислота ҳосил қилади].

АНГИДРИ́Т *м* ангидрит (кальций сульфат, кўпинча оқ рангли минерал).

АНГИ́НА *ж* ангина.

АНГЛИ́ЙСК/ИЙ, -ая, -ое Англияга ва инглизларга оид; Англия...; инглиз...; **~ий язы́к** инглиз тили; ✧ **~ая боле́знь** *уст. то же, что* **рахи́т.**

АНГЛИКА́НСК/ИЙ, -ая, -ое англикан (протестант динининг Англияда устун бўлган турига оид); **~ая це́рковь** англикан черкови.

АНГЛИЦИ́ЗМ *м* инглиз тилидан ўзлаштирилган сўз ёки ибора.

АНГЛИЧА́НЕ *мн. (ед.* **англича́нин** *м,* **англича́нка** *ж)* инглизлар.

АНГЛИЧА́НИН *м* инглиз.

АНГЛИЧА́НКА *ж, р. мн.* **-нок** инглиз аёл, англичанка.

АНГЛОМА́Н *м уст.* инглизпараст.

АНГЛОФИ́Л *м уст.* Англияга ва инглизларга хос барча нарсаларни ёқловчи одам.

АНГЛОФО́Б *м уст.* Англияга ва инглизларга хос барча нарсаларга қарши одам.

АНГО́РСК/ИЙ, -ая, -ое: ~ая ко́шка ангорий мушук; **~ая коза́** ангор эчкиси; **~ий кро́лик** ангорий кролик, ангор қуёни (ўзи, териси).

АНДА́НТЕ *муз.* анданте (1 *нареч.* секин, равон — музика асари ижросининг суръати (темпи) ҳақида; 2 *сущ.* **~с** *нескл.* шундай темпдаги музика асари).

АНДИ́ЕЦ *м, р.* **-и́йца** анди; *см.* **анди́йцы.**

АНДИ́ЙСКИЙ, -ая, -ое андиларга оид; анди(лар)...; **~ язы́к** анди тили.

АНДИ́ЙЦЫ *мн. (ед.* **анди́ец** *м,* **анди́йка** *ж)* андилар (Доғистон АССРнинг ғарбий қисмида яшовчи кичик элат).

АНЕВРИ́ЗМ *м* и **АНЕВРИ́ЗМА** *ж мед.* аневризм (артериянинг бир еридаги кенгайиш); **~ ао́рты** аорта аневризми.

АНЕКДО́Т *м* 1 анекдот, латифа, афанди; **рассказа́ть ~** анекдот (латифа) айтмоқ, «афанди» айтиб бермоқ; 2 *перен. разг.* кулгили иш, воқеа, ҳодиса; **с ним случи́лся ~** унинг бошидан бир кулгили воқеа бўлиб ўтди.

АНЕКДОТИ́ЧЕСКИЙ, -ая, -ое 1 анекдотдан, латифадан иборат бўлган, анекдотик; **~ расска́з** анекдотик ҳикоя; 2 кулгили, кулгидан бошқага арзимайдиган, ҳеч бўлмаган; **~ слу́чай** кулгили воқеа.

АНЕКДОТИ́ЧНЫЙ, -ая, -ое; -чен, -чна *то же, что* **анекдоти́ческий** 2.

АНЕМИ́ЧЕСК/ИЙ, -ая, -ое анемияга, камқонликка оид; анемик, камқон; ранги заҳил, рангпар; **~ое состоя́ние** анемик ҳолат, камқонлик; **~ий вид** анемик кўриниш, ранги заҳиллик, рангпарлик.

АНЕМИ́ЧНЫЙ, -ая, -ое; -чен, -чна 1 *то же, что* **анеми́ческий;** 2 *перен.* бўш, ланж.

АНЕМИ́Я *ж* анемия, камқонлик.

АНЕМО́МЕТР *м* анемометр (ҳаво ва газ оқими тезлигини ўлчайдиган асбоб).

АНЕМО́НЫ *мн. (ед.* **анемо́н** *м,* **анемо́на** *ж) бот.* анемонлар (айиқтовон гуллилар оиласига мансуб ўтлар).

АНЕРО́ИД *м* анероид (металл барометр).

АНЕСТЕЗИО́ЛОГ *м* анестезиолог, анестезия бўйича мутахассис врач.

АНЕСТЕЗИОЛО́ГИЯ *ж* анестезиология (медицинанинг оғриқсизлантириш усуллари ва воситалари билан шуғулланадиган бўлими).

АНЕСТЕЗИ́РОВАТЬ *сов.* и *несов. что* оғриқсизлантирмоқ, оғриқ сезмайдиган қилмоқ; беҳуш қилмоқ; **~ операцио́нное по́ле** операция қиличадиган жойни (жой атрофини) оғриқ сезмайдиган қилмоқ; беморни беҳуш (ёки оғриқ сезмайдиган) қилмоқ.

АНЕСТЕЗИ́РУЮЩИ/Й, -ая, -ее 1 *прич. от* **анестези́ровать;** 2 *в знач. прил.* беҳуш (ёки оғриқ сезмайдиган) қиладиган; этни ўлдирадиган; **~е сре́дства** беҳуш (ёки оғриқ сезмайдиган) қиладиган воситалар; этни ўлдирадиган воситалар.

АНЕСТЕЗИ́Я *ж* анестезия (1 оғриқ сезиш қобилиятини йўқотиш; 2 беҳуш қилиш; оғриқ сезмайдиган қилиш, этни ўлдириш; **о́бщая ~** умумий анестезия; беҳуш қилиш; **ме́стная ~** этни ўлдириш, оғриқ сезмайдиган қилиш).

АНИЛИ́Н *м* анилин (бўёқ ва дори тайёрлашда ишлатиладиган мойсимон заҳарли рангсиз модда).

АНИЛИ́НОВЫ/Й, -ая, -ое анилинга оид; анилинли; анилин...; **~й заво́д** анилин заводи; **~е краси́тели** анилин бўёқлари.

АНИМАЛИ́СТ *м* анималист (асосан ҳайвонлар тасвирини ишлайдиган рассом, ҳайкалтарош).

АНИМИ́ЗМ *м* анимизм (ибтидоий халқларда: ҳар бир нарсанинг жони, руҳи бор деган эътиқод).

АНИМИСТИ́ЧЕСК/ИЙ, -ая, -ое анимизмга асосланган, анимистик; **~ое мировоззре́ние** анимистик дунёқараш, анимизм.

АНИО́Н *м физ.* анион (манфий зарядланган ион).

АНИ́С *м* 1 арпабодиён; 2 анис (олма нави).

АНИ́СОВКА *ж* 1 *то же, что* **ани́с** 2; 2 анисовка (арпабодиён солинган арақ).

АНИ́СОВ/ЫЙ, -ая, -ое арпабодиёнга оид; арпабодиёндан ёки унинг уруғидан тайёрланган, арпабодиёнли; арпабодиён...; **~ые зёрна** арпабодиён уруғи; **~ое ма́сло** арпабодиён мойи.

А́НКЕР *м* анкер (1 соат механизмининг мезони, соатнинг бирдай юришини таъминлайдиган қисми; 2 станок, иншоот қисми ва ш. к. ни маҳкамлайдиган узун болт ёки скоба).

А́НКЕРНЫЙ, -ая, -ое анкерли; анкер...; **~ болт** анкер болт; **~ механи́зм** анкерли механизм (соатларда); **часы́ на ~ом ходу́** анкерли соат.

АНКЕ́Т/А *ж* анкета (бирор маълумот олиш ёки омма фикрини тўплаш учун белгиланган сўроқ варақаси); **запо́лнить ~у** анкета тўлдирмоқ.

АНКЕ́ТНЫ/Й, -ая, -ое анкетага оид; анкета...; **~й лист** анкета варақаси; **~е све́дения** анкета маълумотлари.

АННА́Л/Ы *мн.* солнома, йилнома (қадимги римликларда, мисрликларда, эронликларда ва бошқа қадимги халқларда); ✦ **в ~ах исто́рии** *высок.* тарих саҳифаларида, солномаларда.

АННЕКСИОНИ́СТ *м* аннексия тарафдори; аннексиячи, босиб олувчи, забт этувчи, босқинчи.

АННЕКСИОНИ́СТСК/ИЙ, -ая, -ое аннексияга, босқинчиликка асосланган; аннексия...; босқинчилик...; **~ая поли́тика** аннексия (босқинчилик) сиёсати.

АННЕКСИ́РОВАТЬ *сов.* и *несов. что* аннексия қилмоқ, босиб олмоқ, забт этмоқ.

АННЕ́КСИЯ *ж* аннексия, босиб олиш, забт этиш; босқинчилик.

АННИБА́ЛОВ: ~а кля́тва *см.* **кля́тва.**

АННОТА́ЦИЯ *ж* аннотация (асар ҳақидаги қисқа маълумот, унинг қисқа мазмуни).

АННОТИ́РОВАТЬ *сов.* и *несов. что* аннотация(сини) ёзмоқ, тузмоқ.

АННУЛИ́РОВАНИЕ *с* бекор қилиш, йўқ қилиш, кучдан қолдириш.

АННУЛИ́РОВАТЬ *сов.* и *несов. что* бекор қилмоқ, йўқ қилмоқ, кучдан қолдирмоқ; **~ догово́р** шартномани бекор қилмоқ; **~ долги́** қарзни бекор қилиш (қарздан кечиш ёки уни тан олмаслик).

АНО́Д *м* анод (мусбат электрод).

АНОДИ́РОВА/ТЬ *сов.* и *несов. что* анодламоқ (металл сиртини электролиз усулида оксид пардаси билан қопламоқ); **часы́ с ~нным ко́рпусом** корпуси анодланган соат.

АНО́ДНЫЙ, -ая, -ое анодга оид; анод...; **~ ток** анод токи.

АНОМА́ЛИЯ *ж* аномалия, нормадан четга чиқиш, нонормаллик; нонормал (анормал) ҳол; **магни́тная ~** магнит аномалияси.

АНОМА́ЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое; -лен, -льна аномал, нормадан четга чиққан, анормал, нонормал; **~ое состоя́ние** нонормал ҳолат.

АНОНИ́М *м* аноним (1 номини яширган автор; 2 автори номаълум асар).

АНОНИ́МКА *ж, р. мн.* **-мок** *разг.* анонимка, юмалоқ хат.

АНОНИ́МН/ЫЙ, -ая, -ое 1 аноним, номини яширган,

www.ziyouz.com kutubxonasi

номаълум; ~**ый а́втор** номаълум автор; 2 автори аниқланмаган, автори номаълум, аноним; ~**ое письмо́** аноним (юмалоқ) хат, анонимка.

АНОНИМЩИК *м разг. презр.* анонимка (юмалоқ хат) автори; юмалоқ хат ёзиш билан шуғулланадиган одам.

АНО́НС *м* анонс (олдиндан чиқарилган эълон, афиша); **сде́лать** ~ анонс қилмоқ (олдиндан эълон, афиша тарқатмоқ).

АНОНСИ́РОВАТЬ *сов. и несов. что, о чём* олдиндан эълон қилмоқ, афиша чиқармоқ, тарқатмоқ.

АНОРМА́ЛЬНОСТЬ *ж* анормаллик, нонормаллик.

АНОРМА́ЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое; -лен, -льна анормал, нонормал; ~**ое явле́ние** анормал (нонормал) ҳол.

АНОФЕ́ЛЕС *м* анофелес, безгак чивини.

АНСА́МБЛЕВ/ЫЙ, -ая, -ое ансамблга оид; ансамбль (уйғун бирлик) ташкил этган, ансамбль ҳолидаги; ~**ое пе́ние** ансамбль бўлиб ашула айтиш, умумий ашула; ~**ые пье́сы** ансамбль учун белгиланган пьесалар; ~**ая застро́йка у́лиц** кўчаларга ансамбль иморатлар қуриш.

АНСА́МБЛЬ *м* ансамбль (1 ижронинг бадиий уйғунлиги; 2 биргаликда томошалар кўрсатувчи ижрочилар коллективи; ~ **пе́сни и пля́ски** ашула ва рақс ансамбли; 3 ансамбль, уйғун бирлик; **архитекту́рный** ~ архитектура ансамбли, меъморлик ансамбли).

АНТАБЛЕМЕ́НТ *м архит.* антаблемент (шипнинг бевосита устунларга таянган безакли қисмлари).

АНТАГОНИ́ЗМ *м* антагонизм, зиддият, келиштириб бўлмайдиган қарама-қаршилик; **кла́ссовый** ~ синфий антагонизм, синфий қарама-қаршилик (зиддият).

АНТАГОНИ́СТ *м* 1 антагонист, муросага келтириб бўлмайдиган рақиб, душман, мухолиф; 2 *мн.* ~**ы** *биол.* вазифаси ёки таъсири жиҳатидан бир-бирига қарама-қарши органлар, моддалар.

АНТАГОНИСТИ́ЧЕСКИ/Й, -ая, -ое антагонистик, муросага келтириб (бартараф қилиб) бўлмайдиган, муросасиз, зид, қарама-қарши; ~**е противоре́чия** антагонистик зиддиятлар; ~**е кла́ссы буржуа́зного о́бщества** буржуа жамиятининг антагонистик синфлари.

АНТАНТА *ж ист.* Антанта (империалистик давлатлар ўртасида тузилган турли блокларнинг умумий номи).

АНТА́РКТИКА *ж* Антарктика (Ер шарининг жанубий қутбга яқин қисми).

АНТА́РКТИ́ЧЕСКИЙ, -ая, -ое Антарктикага оид; антарктик, антарктика...; ~ **матери́к** Антарктика қитъаси.

АНТЕ́ННА *ж* антенна; **приёмная** ~ қабул қилувчи антенна; **передаю́щая** ~ узатувчи антенна; **телевизио́нная** ~ телевизион антенна.

АНТИАЛКОГО́ЛЬНЫ/Й, -ая, -ое алкоголга, алкоголизмга қарши; ичкиликка, ичкиликбозликка қарши қаратилган; ~**е сре́дства** ичкиликка (ичкиликбозликка) қарши дори-дармонлар, тадбир-чоралар.

АНТИАМЕРИКАНИ́ЗМ *м* антиамериканизм (Америка империализмининг жаҳонгирлик ниятлари ва сиёсатига, «америка турмуш тарзи»ни сингдириш йўлидаги уринишларига қарши қаратилган оммавий-сиёсий ҳаракат).

АНТИАМЕРИКА́НСКИ/Й, -ая, -ое антиамериканизм руҳидаги; америка империализмига қарши қаратилган, антиамериканистик; ~**е выступле́ния в стра́нах Азии, Африки и Лати́нской Аме́рики** Осиё, Африка ва Латин Америкаси мамлакатларидаги антиамериканистик чиқишлар.

АНТИБИО́ТИКИ *мн. (ед.* **антибио́тик** *м)* антибиотиклар (баъзи микроб ва бактерияларнинг кўпайишини тўхтатадиган ёки қирадиган органик моддалар, дориворлар).

АНТИВЕЩЕ́СТВО *с* антимодда (антиматериядан таркиб топган модда).

АНТИВИ́РУС *м* антивирус (антибиотик тури).

АНТИВОЕ́ННЫЙ, -ая, -ое урушга қарши, урушга қарши қаратилган; ~ **конгре́сс** урушга қарши (қаратилган) конгресс.

АНТИГЕ́Н *м* антиген (организм учун ёт модда).

АНТИГОСУДА́РСТВЕННЫЙ, -ая, -ое давлатга қарши; давлатга қарши қаратилган.

АНТИДЕМОКРАТИ́ЧЕСКИЙ, -ая, -ое демократияга қарши; демократияга қарши қаратилган, антидемократик.

АНТИДИАЛЕКТИ́ЧЕСКИЙ, -ая, -ое диалектикага қарши, хилоф, зид; диалектикага тўғри келмайдиган, антидиалектик.

АНТИИМПЕРИАЛИСТИ́ЧЕСКИЙ, -ая, -ое империализмга қарши; империализмга қарши қаратилган, антиимпериалистик.

АНТИИСТОРИ́ЧЕСКИЙ, -ая, -ое тарихга, тарихийлик принципларига қарама-қарши, хилоф, зид; тарихга, тарихийлик принципларига тўғри келмайдиган; ғайритарихий; ~ **подхо́д к явле́ниям действи́тельности** воқеликдаги ҳодисаларга ғайритарихий ёндошиш.

АНТИ́К *м уст.* антиқий нарса, антиқий (антик) санъат намунаси; қадимги атика.

АНТИКВА́Р *м* антиквар (1 антиқий нарсалар билан савдо қилувчи киши;

2 антиқий нарсалар коллекционери).

АНТИКВАРИА́Т *м* антиқий нарсалар савдоси.

АНТИКВА́РН/ЫЙ, -ая, -ое 1 антиқий, антиқа (қадимий, ноёб ва қимматбаҳо); ~**ая ва́за** антиқий ваза; 2 антиқий нарсалар савдосига оид; антиқий нарсалар сотиладиган, антиквар; ~**ый магази́н** антиквар магазин.

АНТИКЛЕРИКА́ЛЬНЫЙ, -ая, -ое клерикализмга қарши; клерикализмга қарши қаратилган, антиклерикал.

АНТИКОЛОНИА́ЛИЗМ *м* антиколониализм (колониализмга, мустамлакачиликка қарши кураш, ҳаракат).

АНТИКОЛОНИА́ЛЬНЫЙ, -ая -ое колониализмга, мустамлакачиликка қарши; колониализмга, мустамлакачиликка қарши қаратилган, антиколониал.

АНТИКОММУНИ́ЗМ *м* антикоммунизм (монополистик буржуазиянинг коммунизмга, халқаро ишчилар синфининг революцион ҳаракатига қарши қаратилган идеологияси ва сиёсати).

АНТИКОММУНИСТИ́ЧЕСКИЙ, -ая, -ое коммунизмга, халқаро ишчилар синфининг революцион ҳаракатига қарши қаратилган, антикоммунистик.

АНТИЛО́ПЫ *мн. (ед.* **анти́ло́па** *ж) зоол.* антилопалар, кийиклар (жуфттуёқли кавш қайтарувчиларнинг катта бир группаси).

АНТИМАРКСИ́СТСКИЙ, -ая, -ое марксизмга қарши, хилоф, зид, марксизмга қарши қаратилган, антимарксистик.

АНТИМАТЕРИАЛИСТИ́ЧЕСКИЙ, -ая, -ое материализмга қарши, хилоф, зид; материализмга қарши қаратилган, антиматериалистик.

АНТИМАТЕ́РИЯ *ж* антиматерия (антизарралардан, яъни антипротон, антиэлектрон ва ш. к. дан таркиб топган материя).

АНТИМИЛИТАРИ́ЗМ *м* антимилитаризм (милитаризмга, империалистик урушларга қарши қаратилган халқаро оммавий-сиёсий кураш, ҳаракат).

АНТИМИЛИТАРИ́СТ *м* антимилитаризм тарафдори, милитаризм душмани, милитаризмга қарши курашчи, антимилитарист.

АНТИМИЛИТАРИСТИ́ЧЕСКИЙ, -ая, -ое антимилитаристик, милитаризмга қарши, душман.

АНТИМИЛИТАРИ́СТСКИЙ, -ая, -ое *то же, что* **антимилитаристи́ческий.**

АНТИМИ́Р *м* антидунё (антиматериядан таркиб топган дунё).

АНТИМОНАРХИ́ЧЕСКИЙ, -ая, -ое монархияга қарши; монархияга қарши қаратилган, монархияга душман.

АНТИМО́НИ/Я *ж:* **разводи́ть** ~**и (**~**ию)** сафсата сотмоқ, қуруқ (беҳуда) гаплар билан овора бўлмоқ.

АНТИНАРО́ДНЫЙ, -ая, -ое халққа, халқ манфаатларига қарши, душман, зид.

АНТИНАУ́ЧНЫЙ, -ая, -ое илмга қарши, хилоф, зид; илмга тўғри келмайдиган, ғайрилмий.

АНТИНО́МИЯ *ж филос.* антиномия (тўғри деб қабул қилинган икки ҳол ўртасидаги зиддият, қарама-қаршилик).

АНТИОБЛЕДЕНИ́ТЕЛЬ *м тех.* музлашга (муз қоплашига) қарши восита, модда.

АНТИОБЩЕ́СТВЕННЫЙ, -ая, -ое жамиятга, жамият манфаатларига қарши, зид; жамият учун зарарли бўлган; ~ **посту́пок** жамият учун зарарли хатти-ҳаракат, иш, қилиқ.

www.ziyouz.com kutubxonasi

АНТИПАРТИЙНЫЙ, -ая, -ое партияга, партия йўлига қарши бўлган, антипартиявий.

АНТИПАССАТЫ *мн.* антипассатлар (тропик кенгликларда: пассатларга қарши йўналган доимий ҳаво оқимлари).

АНТИПАТИ/Я *ж* ёқтирмаслик, хуш кўрмаслик; **я питáю (чýвствую) к немý ~ю** мен уни ёқтирмайман, хуш кўрмайман.

АНТИПИРИН *м* антипирин (иситмани туширадиган, оғриқни босадиган дори).

АНТИПОДЫ *мн.* (*ед.* **антипóд** *м*) антиподлар (1 Ер шарининг қарама-қарши томонларида яшовчи одамлар; 2 характери, диди, қарашлари жиҳатидан қарама-қарши одамлар, мухолифлар).

АНТИПРОТОН *м* антипротон (протонга нисбатан қарама-қарши зарядли зарра).

АНТИРАБОЧ/ИЙ, -ая, -ее ишчиларга қарши, душман; ишчиларнинг манфаатларига қарши қаратилган, зид; **~ий закóн Тáфта-Хáртли** ишчиларга, ишчиларнинг манфаатларига қарши қаратилган Тафт-Хартли қонуни (АҚШда); **~ее законодáтельство** ишчиларга, ишчиларнинг манфаатларига зид қонунлар.

АНТИРАСИЗМ *м* антирасизм; расизмга, ирқчиликка қарши оммавий ҳаракат, кураш.

АНТИРЕЛИГИОЗН/ЫЙ, -ая, -ое; -зен, -зна динга қарши қаратилган, атеистик; **~ая пропагáнда** динга қарши пропаганда, атеистик пропаганда.

АНТИСАНИТАРН/ЫЙ, -ая, -ое санитария талабларига жавоб бермайдиган, антисанитар, ифлос; **~ое состоя́ние** антисанитар ҳолат.

АНТИСЕМИТ *м* антисемитизм тарафдори, яҳудийлар душмани, антисемит.

АНТИСЕМИТИЗМ *м* антисемитизм (ҳукмрон эксплуататор синфлар томонидан ўз синфий мақсадларини кўзлаб яҳудийларга нисбатан сунъий равишда туғдириладиган миллий душманлик сиёсати, ирқий шовинизмнинг энг ашаддий турларидан бири).

АНТИСЕМИТКА *ж, р. мн.* **-ток** антисемит аёл.

АНТИСЕМИТСКИЙ, -ая, -ое антисемитларга ва антисемитизмга оид, антисемитизм руҳидаги, антисемитик.

АНТИСЕПТИКА *ж мед.* антисептика (1 ярани химиявий воситалар билан зарарсизлантириш, газак олишдан, йиринглашдан сақлаш; 2 *собир.* шу мақсадда қўлланиладиган дори-дармонлар).

АНТИСЕПТИЧЕСКИ/Й, -ая, -ое антисептик; **~е срéдства** антисептик воситалар, дори-дармонлар.

АНТИСИОНИСТСКИЙ, -ая, -ое антисионистик, сионизмга қарши қаратилган.

АНТИСОВЕТИЗМ *м* антисоветизм (совет ҳокимиятига, Совет Иттифоқига қарши қаратилган сиёсий кураш, ҳаракат).

АНТИСОВЕТСКИЙ, -ая, -ое совет ҳокимиятига, Совет Иттифоқига қарши қаратилган, душман.

АНТИСОВЕТЧИК *м презр.* антисоветчи (совет ҳокимиятига, Совет Иттифоқига қарши гаплар, ғоялар тарқатувчи, Совет Иттифоқи душманларининг тегирмонига сув қуювчи).

АНТИСОВЕТЧИНА *ж презр.* антисоветизм руҳидаги фаолият; совет ҳокимиятига, Совет Иттифоқига қарши қаратилган агитация-пропаганда ва унинг воситалари.

АНТИСОЦИАЛЬНЫЙ, -ая, -ое жамиятга қарши, жамият манфаатларига зид бўлган, жамоатчилик учун зарарли, ғайриижтимоий.

АНТИТЕЗА *ж* антитеза (1 қарама-қаршилик; хилоф, зид хосса, ҳол, хусусият ва ш. к.; шундай қаршиликларни ўзаро қиёслаш; 2 *лит.* адабий услубда: бир-бирига тамоман зид тушунча, образ ва ш. к. ни қарама-қарши келтириш, муқояса қилиш йўли билан тасвирни кучайтириш усули; 3 *филос. то же, что* **антитéзис**).

АНТИТЕЗИС *м филос.* антитезис (мавжуд тезисга, мулоҳазага қарши қўйилган, уни инкор этувчи янги тезис, мулоҳаза).

АНТИТЕЛА *мн.* (*ед.* **антитéло** *с*) антижисмлар (организмда антигенлар пайдо бўлиши билан юзага келадиган ва уларнинг таъсирини йўқотадиган моддалар).

АНТИТОКСИНЫ *мн.* (*ед.* **антитоксúн** *м*) антитоксинлар (организмда токсинлар таъсирида юзага келадиган ва шу токсинлардан заҳарланишдан сақлайдиган моддалар).

АНТИФАШИСТ *м* фашизм душмани, фашизмга қарши курашчи, антифашист.

АНТИФАШИСТКА *ж, р. мн.* **-ток** антифашист аёл.

АНТИФАШИСТСКИЙ, -ая, -ое фашизмга қарши қаратилган, антифашист.

АНТИФРИЗЫ *мн.* (*ед.* **антифри́з** *м*) антифризлар (сувнинг музлаш температурасини пасайтирадиган моддалар).

АНТИХРИСТ *м* 1 *рел.* дажжол; 2 *прост. бран. уст.* дажжол, иблис.

АНТИХУДОЖЕСТВЕННЫЙ, -ая, -ое бадиий қиймати паст, бадиийлик талабларига жавоб бермайдиган, бадиий бўш.

АНТИЦИКЛОН *м метеор.* антициклон (циклонлар ўртасида жойлашган, атмосфера босими баланд бўлган жой, территория).

АНТИЧАСТИЦА *ж* антизарра (қарама-қарши зарядли зарра, мас., электрон ва позитрон бир-бирига нисбатан антизарралардир).

АНТИЧНОСТЬ *ж* 1 антик дунё (қадимги римликлар ва юнонлар дунёси, уларнинг санъати, маданияти); 2 антиқалик, антиқийлик.

АНТИЧН/ЫЙ, -ая, -ое 1 қадимги римликларга ва юнонларга оид; антик; **~ая филосóфия** антик фалсафа; **~ое искýсство** антик санъат, антик дунё санъати; **~ый теáтр** антик театр; 2 антик санъат формаларидаги классик, антиқа, гўзал; **~ый прóфиль** антиқий, гўзал профиль; **~ые фóрмы** антиқий, антик шакллар.

АНТОЛОГИЧЕСК/ИЙ, -ая, -ое 1 антологияга оид; антология...; 2 юнон лирик поэзияси руҳидаги, антологик; **~ая поэ́зия** антологик поэзия.

АНТОЛО́ГИЯ *ж* антология (турли авторларнинг сайланма асарлари, кўпинча шеърлари тўплами); **~ узбéкскóй совéтской поэ́зии** ўзбек совет поэзияси антологияси.

АНТОНИМ *м лингв.* антоним (бошқа сўз маъносига зид маъноли сўз).

АНТОНО́ВКА *ж* антоновка (олма нави).

АНТОНОВСКИ/Й, -ая, -ое: **~е я́блоки** *то же, что* **антóновка.**

АНТРАКТ *м* 1 антракт, танаффус (театрда, концертда); 2 антракт (спектакль кўринишлари ўртасида ижро этиладиган музика асари).

АНТРАЦИТ *м* антрацит (тошкўмирнинг энг яхши нави).

АНТРАЦИТОВЫЙ, -ая, -ое антрацитга оид; антрацит...; **~ пласт** антрацит қатлам(и).

АНТРАША *с нескл.* антраша (балетда: оёқларни бир-бирига уриб сакраш); ✦ **выдéлывать** (или **выкúдывать**) **~** *разг.* оёқларни ликиллатиб сакрамоқ.

АНТРЕКОТ *м* антрекот (1 молнинг қовурға гўшти; 2 шундай гўштдан тайёрланган овқат тури).

АНТРЕПРЕНЁР *м* антрепренёр (театр, цирк ва ш. к. хўжайини).

АНТРЕПРЕНЁРСКИЙ, -ая, -ое антрепренёр(лар)га оид; антрепренёрлик...; антрепренёр...

АНТРЕПРИЗА *ж* хўжайинлик, эгалик (театр, цирк ва ш. к. га).

АНТРЕСО́ЛИ *мн.* (*ед.* **антресóль** *ж*) антресоль (1 пастак болохона; 2 баланд хона ичидаги айланма балконлар; 3 *разг.* шип остидаги токчалар, фрамонлар).

АНТРОПО́ИДЫ *мн.* (*ед.* **антропóид** *м*) антропоидлар, одамсимон маймунлар.

АНТРОПО́ЛОГ *м* антрополог, антропология олими, мутахассиси.

АНТРОПОЛОГИЧЕСКИ/Й, -ая, -ое антропологияга оид, антропологик; антропология...; **~й музéй** антропология музейи; **~е иссле́дования** антропологик тадқиқотлар.

АНТРОПОЛО́ГИЯ *ж* антропология (одамнинг келиб чиқиши ва эволюцияси, жисмоний тузилиши ва ирқларнинг пайдо бўлиши ҳақидаги фан).

АНТРОПОМЕТРИЧЕСКИ/Й, -ая, -ое антропометрияга оид, антропометрик; антропометрия...; **~е да́нные** антропометрик маълумотлар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

АНТРОПОМЕ́ТРИЯ *ж* антропометрия (антропология илмида: одам танаси ва аъзоларини ўлчашга асосланган текшириш усули).

АНТРОПОМО́РФИЗМ *м* антропоморфизм (1 одамга хос психик хусусиятларни нарсалар, жониворлар ва табиат ҳодисаларига ҳам хос деб билиш, уларни одамга ўхшатиш; 2 худоларни одам образида тасаввур қилиш).

АНТРОПОМО́РФИЧЕСК/ИЙ, -ая, -ое антропоморфик; **~ое мировоззре́ние** антропоморфик дунёқараш.

АНТРОПОМО́РФНЫ/Й. **-ая, -ое** одамга ўхшайдиган, одамсимон; **~е обезья́ны** одамсимон маймунлар.

АНТРОПОФА́Г *м книжн.* одам гўштини еювчи, одамхўр.

АНТРОПОФА́ГИЯ *ж книжн.* одам гўштини ейиш, одамхўрлик.

АНТУРА́Ж *м уст.* теварак-атрофдаги кимсалар, нарсалар; муҳит, шароит.

АНУ́РИЯ *ж мед.* анурия (сийдик тўхтаб қолиши).

АНФАС *нареч.* кузатувчига юз ўгириб, тикка рўбарў қараб; рўбарў; **сфотографи́роваться ~** рўбарў қараб суратга тушмоқ (ёндамасига эмас).

АНФИЛА́ДА *ж* анфилада (биридан-бирига ўтиладиган қатор уйлар, хоналар).

АНЧА́Р *м бот.* заққум (заҳарли сутсимон шира чиқарадиган дарахт, бута).

АНЧО́УС *м* анчоус, хамса (майда денгиз балиғи ва ундан тайёрланган консерва).

АНШЛА́Г *м* 1 аншлаг (театр ва бошқа томошахоналарда: билетлар сотилиб бўлганлиги ҳақидаги эълон); 2 *спец.* газеталарда: бош сарлавҳа, «шапка»; ✦ **пройти́ с ~ом** аншлаг (зўр муваффақият) билан ўтмоқ.

АНЮ́ТИН: ~ы гла́зки капалакгул, фаранг бинафша.

АО́РТА *ж* аорта, шотомир (юракнинг чап қоринчасидан бошланадиган, бутун тана аъзоларини қон билан таъминлайдиган энг катта томир).

АПАРТА́МЕНТЫ *мн. (ед.* **апарта́мент** *м) уст.* данғилама уй, кошона.

АПАРТЕ́ИД *м* апартеид, ирқий айирмачилик (ирқчиларнинг аҳолини ирқига кўра ажратиш, «олий» ирққа мансуб бўлмаганларни камситишга, уларни элементар ҳуқуқлардан маҳрум этишга, ирқий айирмачиликка қаратилган қабиҳ реакцион сиёсати).

АПАТИ́Т *м* апатит (фосфорли минерал).

АПАТИ́ТОВЫ/Й, -ая, -ое апатитга оид; апатит...; **~е ру́ды** апатит рудалари; **~е месторожде́ния** апатит конлари.

АПАТИ́ЧНОСТЬ *ж* ҳеч нарсага қизиқмаслик, руҳсизлик, ҳафсаласи, ҳаваси, иштиёқи йўқлик, лоқайдлик.

АПАТИ́ЧН/ЫЙ, -ая, -ое; -чен, -чна ҳеч нарсага қизиқмайдиган, ҳафсаласи, ҳаваси, иштиёқи йўқ, лоқайд; **~ое состоя́ние** лоқайдлик кайфияти, ҳолати; ҳафсаласизлик, руҳсизлик.

АПА́ТИ/Я *ж* ҳеч нарса қизиқтирмайдиган, ҳафсаласи ўлик ҳолат, руҳсизлик кайфияти, лоқайдлик; **впасть в ~ю** лоқайд бўлиб қолмоқ, руҳсизлик кайфиятига тушмоқ.

АПА́Ш *м нескл.* ёқавайрон, чапани, безори; ўғри. ✦ **руба́шка ~** очиқ ёқали эркаклар кўйлаги, апаша кўйлак.

АПЕЛЛИ́РОВАТЬ *сов. и несов.* 1 *юр.* шикоят (норозилик) аризаси бермоқ, шикоят аризаси билан мурожаат қилмоқ; 2 *к кому-чему* ёрдам (мадад, фикр) сўраб ёки бирор чақириқ билан мурожаат қилмоқ; ҳавола қилмоқ; **~к ма́ссам** оммага мурожаат қилмоқ.

АПЕЛЛЯЦИО́НН/ЫЙ, -ая, -ое шикоятга оид; шикоят...; апелляцион...; **~ая жа́лоба** шикоят аризаси; **~ый суд** шикоят суди, апелляцион суд.

АПЕЛЛЯ́ЦИ/Я *ж* 1 шикоят (норозилик) аризаси; апелляция; **пода́ть ~ю** шикоят аризаси бермоқ 2 *к кому-чему* мурожаат (ёрдам, мадад, фикр сўраб ёки чақириқ билан қилинган мурожаат); ҳавола; **~я к общественному мне́нию** жамоат фикрига ҳавола қилиш.

АПЕЛЬСИ́Н *м* апельсин (дарахт ва меваси).

АПЕЛЬСИ́ННЫЙ, -ая, -ое *то же, что* **апельси́новый.**

АПЕЛЬСИ́НОВ/ЫЙ, -ая, -ое апельсинга оид; апельсиндан олинган, тайёрланган; апельсин...; **~ый за́пах** апельсин ҳиди; **~ое варе́нье** апельсин мураббоси.

АПЛОДИ́РОВАТЬ *несов. кому-чему* олқишлаб чапак (қарсак) чалмоқ, олқишламоқ.

АПЛОДИСМЕ́НТЫ *мн.* олқишлаб чалинган чапаклар, қарсаклар; олқишлар; **бу́рные ~** гулдурос қарсаклар.

АПЛО́МБ *м* ўзига бино қўйиш, ортиқча ишониш, манманлик, кибр-ҳаво; **говори́ть с ~ом** кибр-ҳаво билан гапирмоқ.

АПОГЕ́/Й *м* 1 *астр.* апогей (Ой ёки сунъий йўлдош орбитасининг Ердан энг узоқ нуқтаси); 2 *перен. книжн.* энг юксак поғона, даража, чўққи; авж; **~й сла́вы** шуҳрат чўққиси; **дости́чь ~я** энг юксак даражага кўтарилмоқ; чўққисига чиқмоқ, авжга минмоқ.

АПОДИКТИ́ЧЕСК/ИЙ, -ая, -ое *филос.* исбот қилинган, ишончли, шак-шубҳасиз, тўғри, аён; **~ое сужде́ние** ишончли муҳокама, шак-шубҳасиз, тўғри мулоҳаза.

АПОКАЛИ́ПСИС *м* апокалипсис (христианларнинг «охир замон» ҳақидаги ривоятларни ўз ичига олган диний китоби).

АПОКРИФИ́ЧЕСК/ИЙ, -ая, -ое черков тан олмайдиган, апокрифик; **~ая литература** апокрифик (черков тан олмайдиган) диний адабиёт.

АПО́КРИФЫ *мн. (ед.* **апо́криф** *м)* 1 апокриф (черков тан олмайдиган диний китоблар); 2 *перен.* сохта асарлар, ишониб бўлмайдиган китоблар.

АПОЛИТИ́ЗМ *м* аполитизм, сиёсатдан йироқлик, сиёсатдан ўзини олиб қочиш, ижтимоий-сиёсий ҳаётдан четда туриш, сиёсатга аралашмаслик; **мни́мый ~ буржуази́и в вопро́сах иску́сства** санъат масалаларида буржуазиянинг сиёсатдан сохта йироқлиги.

АПОЛИТИ́ЧНОСТЬ *ж то же, что* **аполити́зм.**

АПОЛИТИ́ЧНЫЙ, -ая, -ое; -чен, -чна сиёсатдан ўзини олиб қочувчи, ижтимоий-сиёсий ҳаётдан четда турувчи, сиёсатга аралашмовчи, сиёсатдан йироқ.

АПОЛЛО́Н *м* 1 Аполлон (юнон мифологиясида Қуёш тангриси, санъат ҳомийси); 2 *перен.* гўзал, барно йигит.

АПОЛО́Г *м лит.* масал.

АПОЛОГЕ́Т *м книжн.* апологет, кўр-кўрона мадҳ этувчи, мақтовчи, маддоҳ; **~ы капитали́зма** капитализм маддоҳлари.

АПОЛОГЕ́ТИКА *ж книжн.* 1 апологетика (теологиянинг христиан дини ақидаларини ҳимоя қилувчи бўлими); 2 *перен.* кўр-кўрона ҳимоя қилиш, мадҳ этиш, мақташ; мақтов, мадҳия.

АПОЛО́ГИЯ *ж книжн.* кўр-кўрона ҳимоя қилиш, мадҳ этиш, мақташ; мақтов, мадҳия.

АПОПЛЕКСИ́ЧЕСКИЙ, -ая, -ое апоплексия оқибатидаги, апоплексик; ✦ **~ уда́р** *то же, что* **апоплексия.**

АПОПЛЕ́КСИЯ *ж* апоплексия, сакта (мияга қон қуйилиши ёки мия қон томирларининг бекилиши натижасида ҳушдан кетиш ёки фалаж бўлиш).

АПО́РТ I *м* апорт (олма нави).

АПО́РТ II *межд.* апорт (ўргатилган итга «олиб кел» маъносида айтиладиган хитоб).

АПОСТЕРИО́РИ *нареч. филос.* апостериори, тажрибага, фактларга асосланиб, тажрибадан олиб; *ср.* **априо́ри.**

АПОСТЕРИО́РН/ЫЙ, -ая, -ое; -рен, -рна *филос.* апостериор, тажрибага ва фактларга асосланган тажриба ва фактлардан келиб чиқадиган, асосли; **~ое утвержде́ние** апостериор (асосли) даъво; *ср.* **априо́рный.**

АПО́СТОЛ *м* 1 апостол, ҳаворий (Исонинг афсонавий ўн икки шогирдидан бири); 2 *перен. чего книжн.* қизғин тарғиботчи, тарафдор, мухлис; **~ просвеще́ния** маърифат тарғиботчиси, мухлиси; **~ добра́** эзгулик тарғиботчиси, мухлиси; 3 Апостол (ҳаворийларнинг қилган ишлари ҳақидаги диний китоб).

АПОСТРО́Ф *м* апостроф, ажратиш белгиси (').

АПОФЕО́З *м* апофеоз (1 Қадимги Рим ва Юнонистонда: қаҳрамон император ва ш. к. ни қутлаб илоҳийлаштириш маросими; 2 *книжн.* улуғлаш, мақташ; мақтов, мадҳия, 3 *театр.* спектаклнинг якунловчи оммавий саҳнаси; концертнинг охири, тантанали қисми; **~ в о́пере «Ива́н Суса́нин»** «Иван Сусанин» операсининг апофеози).

АППАРА́Т *м* аппарат; **телефо́нный ~** телефон аппарати; **пищевари́тельный ~** овқат ҳазм қилиш аппарати (аъзолари); **управле́нческий ~ бошқарув** аппарати (бошқарма

www.ziyouz.com kutubxonasi

ва унинг ходимлари): **госуда́рственный** ~ давлат аппарати (давлат органлари мажмуи); ✦ **нау́чный** ~ илмий аппарат (илмий асарга берилган тушунтириш, изоҳ ва ш. к.).

АППАРА́ТНЫЙ, -ая, -ое 1 аппаратга, аппаратларга оид; аппарат(лар) ёрдамида амалга ошириладиган; 2 *в знач. сущ.* ~**ая** *ж* аппара́тная, аппаратхона.

АППАРАТУ́РА *ж собир.* аппаратура, аппаратлар; **телефо́нная** ~ телефон аппаратураси, телефон аппаратлари; **хими́ческая** ~ химиявий аппаратура, химия аппаратлари.

АППАРА́ТЧИК *м* 1 аппаратчи (аппаратни ёки аппаратларни бошқарувчи ишчи); 2 *разг.* аппарат (мас., бошқарув аппарати) ходими.

АППАРА́ТЧИЦА *ж* аппаратчи аёл.

АППЕ́НДИКС *м* аппендикс (1 *анат.* кўричакнинг чувалчангсимон ўсиғи; 2 *тех.* дирижабль (ҳаво шари)нинг газ киритиладиган ва чиқариладиган қисқа шланги).

АППЕНДИЦИ́Т *м* аппендицит (аппендикснинг яллиғланиш касаллиги, кўричак касаллиги).

АППЕРЦЕ́ПЦИЯ *ж психол.* апперцепция (мавжуд тажриба, билим, тушунча, тасаввур ва ш. к. асосида идрок қилиш, ўрганиш, билиш; идрокнинг тажрибага, билимга боғлиқлиги).

АППЕТИ́Т *м* 1 иштаҳа; **есть с ~ом** иштаҳа билан емоқ (овқатланмоқ); **переби́ть** ~ *кому-л.* иштаҳасини бўғмоқ (бузмоқ); ~ **прихо́дит во вре́мя еды́** *погов.* иштаҳа овқат устида очилади, овқат вақтида иштаҳа (ҳам) келади; 2 *мн.* ~**ы** *перен. разг.* иштаҳа, нафс; **уме́рить свои́** ~**ы** иштаҳасини (нафсини) тиймоқ; ✦ **волчий** ~ иштаҳаси карнай; иштаҳам карнай; **прия́тного** ~**а!** иштаҳангиз очилаверсин!

АППЕТИ́ТНЫЙ, -ая, -ое; -тен, -тна 1 иштаҳани қўзғатадиган, сўлакни оқизадиган, ейишли; ~ **за́пах** иштаҳани қўзғатадиган ҳид; 2 *перен. прост.* ҳавасни келтирадиган, кўзни ўйнатадиган, ёқимли.

АППЛИКАТУ́РА *ж муз.* аппликатура (1 куй ижро этишда бармоқларнинг пардаларда, клавишларда туриш ва жойланиш тартиб-усули; 2 нотада шу тартиб-усулларнинг кўрсатилиши).

АППЛИКА́ЦИЯ *ж* аппликация (ранг-баранг қоғоз ёки мато парчаларини бирор нарсага ёпиштириб ёки тикиб нақш, гул ҳосил қилиш усули; шу усулда ҳосил қилинган нақш, гул).

АППРЕТУ́РА *ж тех.* аппретура (1 газлама, тери ва ш. к. ни махсус моддалар билан охирги ишлаш; 2 тери бўяш учун ишлатиладиган модда; лок).

АППРЕТУ́РНЫЙ, -ая, -ое аппретура учун ишлатиладиган; аппретура...

АПРЕ́ЛЬ *м* апрель; **пе́рвое** ~**я** биринчи апрель.

АПРЕ́ЛЬСКИЙ, -ая, -ое апрель ойига оид, апрель ойида бўлган, бўладиган, апрель ойидаги; ~**ое у́тро** апрель тонги; ~**ие дожди́** апрель ёмғирлари; ✦ **Апре́льские те́зисы Ле́нина** Ленининг апрель тезислари.

АПРИО́РИ *нареч.* априори (1 *филос.* тажрибага, фактларга асосланмаган ҳолда, тажрибада кўрмасдан, текширмасдан, далилсиз, асоссиз; **судить** *о чем-л.* ~ бирор нарса, ҳодиса ҳақида априори муҳокама юргизмоқ; *ср.* **апостерио́ри**; 2 *перен.* текширмай-нетмай, олдиндан).

АПРИО́РН/ЫЙ, -ая, -ое; -рен, -рна тажрибага, фактларга асосланмаган, тажрибада кўрилмаган, текширилмаган, тажрибадан қатъи назар, олдин; ~**ое утвержде́ние** априор даъво; *ср.* **апостерио́рный.**

АПРОБА́ЦИЯ *ж* апробация; апробация қилиш (1 *книжн.* текширувдан, синовдан ёки муҳокамадан ўтказиб тасдиқлаш, маъқуллаш; ~ **уче́бных програ́мм** ўқув программаларини синов ёки муҳокамалардан кейин маъқуллаш; 2 *с.-х.* экинларнинг навини яхшилаш мақсадида экиннинг, уруғликнинг нав жиҳатдан қанчалик яхшилигини аниқлаш, баҳолаш; **полева́я** ~ экинларни дала шароитида апробация қилиш).

АПРОБИ́РОВАТЬ *сов. и несов. что* 1 *книжн.* апробация қилмоқ, маъқулламоқ; 2 *с.-х.* апробация қилмоқ, баҳоламоқ.

АПТЕ́К/А *ж* аптека, дорихона; ✦ **как в ~е** *разг. шутл.* жуда аниқ, тўппа-тўғри, аптека тарозисида ўлчагандай.

АПТЕ́КАРСКИ/Й, -ая, -ое аптекарга, аптекачига оид; **аптекарь...; аптекачи..., ~й помо́щник** аптекарь ёрдамчиси; 2 аптекада бўладиган, аптека учун белгиланган; аптека...; ~**е весы́** аптека тарозиси, ~**е това́ры** аптека моллари.

АПТЕКА́РША *ж разг.* 1 аптекачи хотини; 2 аптекачи аёл.

АПТЕКА́РЬ *м* аптекарь, аптекачи (1 аптека эгаси; 2 аптека ходими).

АПТЕ́ЧКА *ж, р. мн.* **-чек** аптечка, биринчи (дастлабки) ёрдам учун (энг зарур дорилар тўплами ва шундай тўплам турадиган шкаф, қутича); **доро́жная** ~ йўл аптечкаси.

АПТЕ́ЧНЫЙ, -ая, -ое аптекага, дорихонага оид; аптека...; дорихона...; ~ **склад** аптека омбори; ~ **шкаф** аптека жавони; ~ **за́пах** дорихона ҳиди.

АПЧХИ́ *межд.* апшу.

АР *м* ар (100 квадрат метрга тенг ер ўлчови).

ара́б *м* араб; *см.* **ара́бы.**

АРАБЕ́СКИ *мн., р.* **-сок** *(ед.* **арабе́ск** *м,* **арабе́ска** *ж)* арабеска (1 меъморлик ва рассомлик санъатида: геометрик шакллардан, барг, гул ва ш. к. нинг тасвиридан таркиб топган мураккаб нақш; 2 адабий ёки музика асарлари тўплами; 3 рақсда: айрим ҳаракат, муқом).

АРАБИ́СТ *м* арабшунос.

АРАБИ́СТИКА *ж* арабшунослик.

ара́бка *ж, р. мн.* **-бок** араб аёл; *см.* **ара́бы.**

АРА́БСК/ИЙ, -ая, -ое арабларга, араб халқига оид; арабча; араби, арабий; ~**ий язы́к** араб тили; ~**ие племена́** араб қабилалари; ✦ ~**ая ло́шадь** араби от; ~**ие ци́фры** араб рақамлари.

АРА́БЫ *мн. (ед.* **ара́б** *м,* **ара́бка** *ж)* араблар, араб халқи.

АРАВИ́ЙСКИ/Й, -ая, -ое Арабистонга, Арабистон ярим оролига оид; ~**е пусты́ни** Арабистон чўллари; Арабистон ярим ороли чўллари.

АРАГОНИ́Т *м* арагонит (минерал).

АРА́К *м* ароқ (гуруч ёки кокос, хурмо арағи).

АРАКЧЕ́ЕВСКИЙ: ~ **режи́м** *то же, что* **аракче́евщина.**

АРАКЧЕ́ЕВЩИНА *ж* аракчеевчилик; аракчеевчилик режими (1 *ист.* шафқатсиз полиция истибдодига ва ўзбошимчаликка асосланган, Александр I давридаги министрлардан бири Аракчеев номи билан боғлиқ ваҳшиёна режим; 2 *перен. неодобр.* бирор соҳада бир тўда кишиларнинг ҳаддан ташқари ўзбошимчалиги, танҳо ҳукмронлиги ўрнатилган тартиб).

АРАНЖИ́РОВАТЬ *сов. и несов. что муз.* аранжировкаламоқ, аранжировка қилмоқ, мослаштирмоқ.

АРАНЖИ́РОВКА *ж муз.* аранжировка, аранжировкалаш, мослаштириш (музика асарини бошқа соз ёки бошқа овозга мослаб қайта ишлаш).

АРА́П I *м разг. уст.* негр, занжи, ҳабаш.

АРА́П II *м* алдамчи, фирибгар, айёр; ✦ **заправля́ть ~а** *прост.* алдамоқ, алдамчилик (фирибгарлик) қилмоқ; **на ~а** алдаб, алдамчилик (фирибгарлик) билан, айёрлик билан; таваккалига.

АРА́ПКА *ж, р. мн.* **-пок** *уст.* негр аёл, занжи аёл, ҳабаш аёл.

АРА́ПНИК *м* овчи қамчиси (ов итларини ҳайдаб бориш учун).

БЕГУ́Н *м, р.* **-а́** 1 *прост.* чопувчи, югурувчи; чопиш билан шуғулланувчи спортчи; **~ на сре́дние диста́нции** ўртача масофаларга югурувчи спортчи; 2 чопқир (чопағон) одам; 3 *уст.* чопқир (учқур) от; 4 *мн. ~ы́ тех.* янчиш машинаси, тегирмон машина; **ме́льничные ~ы́** тегирмон тоши.

БЕГУ́НКИ *мн.* (*ед.* **бегуно́к** *м*) 1 *тех.* олдинги кичик ғилдираклар (паровозда); 2 *разг.* шиппак, чувак; 3 пойга араваси ёки чанаси.

БЕГУНО́К *м, р.* **-нка́** 1 *тех.* бегунок (йигириш машинасининг ипни дукка тўғрилаб турадиган қисми); 2 *прост. то же, что* **обходно́й лист** *см.* **обходно́й.**

БЕГУ́НЬЯ *ж, р. мн.* **-ний** *см.* **бегу́н** 1, 2.

БЕГУЩ/ИЙ, -ая, -ее 1 *прич. от* **бе́гать** и **бежа́ть;** 2 *в знач. прил. физ.* югурувчи; **~ая волна́** югурувчи тўлқин.

БЕД/А *ж, мн.* **бе́ды** 1 бало, фалокат, офат; кўнгилсиз воқеа, оғир аҳвол, бахтсизлик, мусибат, кулфат; **попа́сть в ~у́** фалокатга йўлиқмоқ; оғир аҳволга тушиб қолмоқ; **с ним случи́лась ~а́** у бахтсизликка учради, унинг бошига кулфат тушди; **пришла́ ~а́ — отворя́й ворота́** *погов.* фалокат, мусибат эшик қоқиб келмайди; 2 *в знач. сказ. прост.* кўп, жуда кўп; **люде́й там — ~а́** у ерда одамлар жуда кўп (қалашиб, тиқилиб ётибди); 3 *в знач. сказ. разг.* жуда ёмон, оғир, қийин, мушкул; **мне с ним про́сто ~а́!** у билан жуда қийналиб кетдим; у мени жуда қийнаб юборди; **~а́ тому́, кто с ним свя́жется** у билан яқинлашган одам балога қолади; **~а́, что...** фалокат шундаки, ...; ёмони шундаки...; **в том-то и ~а́!** ҳамма фалокат шунда!; **не (вели́ка) ~а́!** ҳеч нарса эмас, ҳеч гап эмас, майли, зарари йўқ, ҳеч қиси йўқ; ✦ **что за ~а́!** *разг.* нима қипти!, нима бўпти!; **на ~у́** *разг.* бахтга қарши, фалокат босиб; **лиха́ ~а́ нача́ло** бошлаш қийин, кўз қўрқоқ — қўл ботир; **~а́ как...** *разг.* жуда ҳам, ғоятда.

БЕДЕ́КЕР *м уст.* йўлнома (саёҳатчилар, туристлар учун махсус босма маълумотнома).

БЕ́ДЕРНЫЙ, -ая, -ое *то же, что* **бе́дренный.**

БЕДЛА́М *м разг.* тартибсизлик, тўс-тўполон, қий-чув.

БЕДНЕ́ЙШ/ИЙ, -ая, -ее *см.* **бе́дный;** *~ее* **крестья́нство** қашшоқ деҳқонлар.

БЕДНЕ́ТЬ *несов. (сов.* **обеднеть**) камбағаллашмоқ, қашшоқлашмоқ.

БЕ́ДНО *нареч.* 1 камбағаллик билан, фақирона, ночор, бечораҳол; **~ жить** фақирона яшамоқ, қўл учида кун кўрмоқ; 2 содда, оддийгина; **~ обста́вленная ко́мната** оддийгина жиҳозланган уй.

БЕ́ДНОСТ/Ь *ж* 1 камбағаллик, фақирлик, йўқчилик, қашшоқлик, муҳтожлик; **жить в ~и** муҳтожликда яшамоқ; 2 камбағаллик, таркибида керакли нарсанинг камлиги, етишмаслиги; **~ь рабо́чей сме́си** иш қоришмасининг камбағаллиги; **~ь по́чвы** ернинг ориқлиги; **~ь воображе́ния** тасаввурнинг камбағаллиги, фаразнинг ожизлиги; 4 оддийлик, соддалик, фақироналик; **~ь обстано́вки** жиҳозларнинг оддийлиги, фақироналиги.

БЕДНОТА́ *ж* 1 *собир.* камбағаллар, фақирлар, қашшоқлар; **дереве́нская ~** қишлоқ камбағаллари; 2 *разг. уст.* камбағаллик, қашшоқлик.

БЕ́ДН/ЫЙ, -ая, -ое; -ден, -дна́, -дно; беднейший 1 камбағал, қашшоқ, ночор, бечораҳол, фақир; **~ый челове́к** камбағал одам; **он был о́чень бе́ден** у жуда камбағал эди; 2 *в знач. сущ.* **~ый** *м* камбағал киши; **~ые и бога́тые** бой ва камбағаллар; 3 фақирона, оддий, содда, камбағал, ночор; **~ая обстано́вка** фақирона жиҳозлар, оддий жиҳозлар; **~ый стол** фақирона дастурхон; 4 *перен.* камбағал, ожиз, тор, чекланган; **сийқа, саёз; ~ое воображе́ние** тор

www.ziyouz.com kutubxonasi

(чекланган) тасаввур; **расска́з, ~ый по содержа́нию** мазмуни саёз (мазмунсиз) ҳикоя; 5 *перен.* камбағал, бирор нарсаси оз, кам, етишсиз, сийрак; **~ая расти́тельность** ўсимлиги кам (сийрак); **~ый леса́ми край** ўрмони кам ўлка; 6 бечора, шўрлик, боёқиш, бахтсиз, мискин; **~ый, он так бо́лен!** бечора, жуда ҳам касал!; **~ая, как убива́ется!** бечора, жуда қийналяпти!; бечора, куйиб-пишиб кетяпти!

БЕДНЯ́ГА *м* и *ж разг.* бечора, шўрлик, боёқиш, бахтсиз; **о́чень озя́б, ~** жуда ҳам совқотиб қолибди, бечора.

БЕДНЯ́ЖКА *м* и *ж ласк. от* **бедня́га.**

БЕДНЯ́К *м, р.* **-а́** камбағал одам, фақир, қашшоқ, бечора; 2 камбағал деҳқон; 3 *уст. то же, что* **бедня́га.**

БЕДНЯЦК/ИЙ, -ая, -ое камбағалларга оид (хос ёки қарашли) бўлган; камбағал...; **~ое хозя́йство** камбағал деҳқон хўжалиги; **~ие ма́ссы** камбағаллар оммаси, камбағаллар.

БЕДНЯ́ЧКА *ж, р. мн.* **-чек** *см.* **бедня́к** 1, 2.

БЕДОВА́ТЬ, -ду́ю, -ду́ешь *несов. обл. то же, что* **бе́дствовать.**

БЕДО́ВЫЙ, -ая, -ое *разг.* бебок, қўрқмас, олов, ўт, шўх; шум; ~ **ма́льчик** бебок (шўх) бола, олов бола; балои азим.

БЕДОКУ́Р *м разг.* шўх, тўполончи, шўр иш чиқарувчи.

БЕДОКУ́РИТЬ *несов. (сов.* **набедокури́ть)** *разг.* шўхлик қилиб бирор зиён етказмоқ, бесаранжом қилмоқ, шўриш чиқармоқ.

БЕ́ДРЕННЫЙ, -ая, -ое сонга оид; сон...; **~ая кость** сон суяги.

БЕ́ДРО *с, мн.* **бёдра,** *р.* **бёдер** 1 *анат.* сон; 2 ёнбош, тос; **широ́кие бёдра** кенг тос; **ру́ки на бёдра!** қўллар белга!

БЕ́ДСТВЕНН/ЫЙ, -ая, -ое оғир, мушкул, ҳалокатли, фалокатли; мусибатли; **~ое положе́ние** оғир (мушкул) аҳвол; мусибат.

БЕ́ДСТВИ/Е *с* офат, фалокат, мусибат, оғир (мушкул) аҳвол, бахтсизлик; **социа́льное ~е** ижтимоий офат; **стихи́йное ~е** табиий офат; **сигна́л ~я** фалокат сигнали; **терпе́ть ~е** ҳалокатга (фалокатга) учрамоқ; оғир кунларни бошдан кечирмоқ.

БЕ́ДСТВОВАТЬ *несов.* қашшоқликда, муҳтожликда яшамоқ; мусибат чекмоқ.

БЕДУ́ИН *м* бадавий, кўчманчи араб.

БЕДУ́ИНКА *ж, р. мн.* **-нок** бадавий аёл.

БЕЖ *прил. неизм.* сарғиш, оч жигар ранг; **чулки́ цве́та ~** сарғиш, оч жигар ранг чулки.

БЕЖА́ТЬ, бегу́, бежи́шь *несов.* 1 югурмоқ, чопмоқ; **~ изо всех сил** куч борича чопмоқ; оёқни қўлга олиб чопмоқ; **~ ры́сью** йўрғаламоқ; 2 *разг.* тез юрмоқ, югурмоқ, югургиламоқ; 3 тез юрмоқ; тез ўтмоқ (бормоқ, сузмоқ, оқмоқ); **облака́ бегу́т по не́бу** кўкда булут сузади; 4 тез ўтмоқ (вақт ҳақида); **го́ды бегу́т** йиллар ўтиб бормоқда; **вре́мя бежи́т** вақт ўтиб кетяпти; 5 тез оқмоқ (сув, суюқлиқ ҳақида); **вода́ бежи́т из кра́на** жўмракдан сув оқяпти; жўмракдан сув оқиб кетяпти; **кровь бежи́т по жи́лам** томирларда қон югуряпти; 6 *разг.* қайнаб тошмоқ; **молоко́ бежи́т** сут (қайнаб) тошиб кетяпти; 7 йўналмоқ, чўзилмоқ, бормоқ; **тропи́нка бежи́т в го́ру** сўқмоқ йўл тоққача боради; 8 *сов.* и *несов.* қочмоқ, қочиб қолмоқ, қочиб қутулмоқ; **~ из тюрьмы́** турмадан қочмоқ; **По́сле коро́ткого бо́я проти́вник бежа́л из дере́вни** (И. А. Козлов) Қисқа жангдан кейин душман қишлоқдан қочиб қолди; 9 *от чего* и *уст. чего* қочмоқ, ўзини четга олмоқ, четда, йироқда юрмоқ; 10 тез юрмоқ, илгарилаб кетмоқ; **мои́ часы́ бегу́т** соатим илгарилаб кетяпти, соатим олдин кетмоқда.

БЕ́ЖЕВЫ/Й, -ая, -ое *то же, что* **беж; ~е ту́фли** сарғиш, оч жигар ранг туфли.

БЕ́ЖЕНЕЦ *м, р.* **-нца,** қочоқ, қочқин, қочқинди.

БЕ́ЖЕНКА *ж, р. мн.* **-нок** қочоқ аёл.

БЕ́ЖЕНСКИЙ, -ая, -ое қочқинларга оид, қочқин(лар)...

БЕЗ и БЕЗО *предлог с р.* 1 йўқлик, камлик, етишсизлик каби маъноларни билдиради: -сиз, бе-, но-; кам, йўқ; **без де́нег** пулсиз; текин; **коро́бка без кры́шки** қопқоқсиз (қопқоғи йўқ) коробка; **без о́тдыха** дам олмасдан, узлуксиз; без **сомне́ния** шубҳасиз, аниқ; **без че́тверти час** чорак кам бир; **ходи́ть без пальто́** пальтосиз юрмоқ; **чита́ть без очко́в** кўзойнаксиз ўқимоқ; 2 йўғида, йўқлигида, -сиз, -дан ташқари, -дан бошқа; -нинг иштирокисиз; **без него́** усиз, унинг йўқлигида; **без него́ э́то нельзя́ реши́ть** усиз бу масалани ҳал қилиб бўлмайди; ✦ **без всего́, без вся́ких** ҳеч монеъсиз, осонгина; **не без чего́...** сиз... бўлмаса; **не без** *чего* усиз (бусиз) бўлмайди-ку, усиз (бусиз) бўлармиди; **не без причи́ны** сабабсиз эмас, бежиз эмас; сабаби бор; **не без по́льзы** фойдадан ҳоли эмас; **и без того́** усиз ҳам, бусиз ҳам; **ему́ и без того́ бы́ло тру́дно** бусиз ҳам унга қийин эди.

БЕЗ-, БЕЗЪ-, БЕС- *приставка* от ва сифат ясовчи олд қўшимча бўлиб, 1) отлардан шу от орқали ифода этилган нарсанинг йўқлигини билдирувчи сифат ясайди, *мас.:* **безно́гий, безды́мный, безрабо́тный, безъя́дерный** ва ш. к.; 2) **-ие, -ье, -ица** билан тугалланувчи отлар ясайди, мас.: **безве́трие, безле́сье, бесприда́нница** ва ш. к.

БЕЗАВАРИЙН/ЫЙ, -ая, -ое авариясиз, ҳалокатсиз, фалокатсиз; шикастсиз; бешикаст; **~ая рабо́та механи́змов** механизмларнинг авариясиз ишлаши.

БЕЗАЛА́БЕРНО *нареч. разг.* тартибсизлик билан, боши-кетига қарамасдан, палапартиш, калапатра.

БЕЗАЛА́БЕРНОСТЬ *ж разг.* тартибсизлик, палапартишлик, калапатралик.

БЕЗАЛА́БЕРН/ЫЙ, -ая, -ое; -рен, -рна *разг.* тартибсиз, палапартиш, калапатра, боши-кети йўқ; **~ый челове́к** тартибсиз (палапартиш) одам, калапатра одам; **~ая рабо́та** палапартиш иш, боши-кети йўқ иш.

БЕЗАЛА́БЕРЩИНА *ж разг.* бетартиблик, тартибсизлик, пала-партишлик; боши-кети йўқлик; боши-кети йўқ

БЕЗАЛКОГО́ЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое алкоголсиз, спиртсиз; **~е напи́тки** спиртсиз ичимликлар.

БЕЗАПЕЛЛЯЦИО́ННЫЙ, -ая, -ое; -о́нен, -о́нна 1 *юр.* апелляциясиз, шикоятга, норозилик аризасига йўл қолдирмайдиган, қатъий; **~ приговор́** қатъий ҳукм, апелляциясиз ҳукм;

2 эътирозга ўрин қолдирмайдиган, қатъи, узил-кесил; **~ тон** қатъий оҳанг.

БЕЗА́ТОМН/ЫЙ, -ая, -ое атом қуролидан ҳоли; **~ая зо́на** атомсиз зона, атом қуролидан ҳоли зона.

БЕЗБЕ́ДНО *нареч.* кам-кўстсиз, муҳтожлик кўрмай, зориқмай, тўқ; **жить ~** тўқ яшамоқ.

БЕЗБЕ́ДН/ЫЙ, -ая, -ое; -ден, -дна ҳеч нарсадан камчилиги, муҳтожлиги йўқ; зориқмаган, баҳузур; ўзига тўқ; **~ое существова́ние** муҳтожлик кўрмай (зориқмай) яшаш, ўзига тўқлик.

БЕЗБИЛЕ́ТНЫЙ, -ая, -ое билетсиз, билети йўқ; **~ пассажи́р** билетсиз пассажир; **~ прое́зд** билетсиз юриш (транспорт воситаларида).

БЕЗБО́ЖИЕ *с* худосизлик, даҳрийлик, атеизм.

БЕЗБО́ЖНИК *м* 1 худосиз, даҳрий, атеист; 2 *уст. бран.* бетавфиқ, имонсиз.

БЕЗБО́ЖНИЦА *ж см.* **безбо́жник.**

БЕЗБО́ЖНО *нареч. разг.* инсофсизларча, виждонсизларча, инсофсизлик (виждонсизлик) билан; уялмай-нетмай; **~ лгать** уялмай-нетмай ёлғон гапирмоқ, ёлғонни учига чиқармоқ.

БЕЗБО́ЖН/ЫЙ, -ая, -ое; -жен, -жна 1 *уст.* худосиз, даҳрий; 2 *разг.* инсофдан ташқари, виждонсизларча қилинган, ҳаддан ортиқ; **~ая ложь** ўтакетган ёлғон, қипқизил (ғирт) ёлғон; **~ые це́ны** ҳаддан ташқари юқори баҳолар, жуда қиммат нархлар.

БЕЗБОЛЕ́ЗНЕННО *нареч.* 1 оғриқсиз, оғритмасдан, беозор; 2 *перен.* оғир тушмайдиган (кўчмайдиган) тарзда, безарар, безиён.

БЕЗБОЛЕ́ЗНЕННОСТЬ *ж* 1 оғриқсизлик, озорсизлик, оғритмаслик; 2 енгиллик, зарарсизлик.

БЕЗБОЛЕ́ЗНЕНН/ЫЙ, -ая, ое 1 оғриқсиз, оғритмайдиган, беозор; **~ая опера́ция** оғриқсиз операция; 2 *перен.* оғир кўчмайдиган, оғир тушмайдиган, зарар келтирмайдиган, безарар; **~ое реше́ние вопро́са** масалани ҳеч кимга оғир келмайдиган қилиб ҳал этиш.

БЕЗБОРО́ДЫЙ, -ая, -ое соқоли йўқ, соқоли чиқмаган; кўса.

www.ziyouz.com kutubxonasi

БЕЗБОЯЗНЕННО *нареч.* қўрқмасдан, дадиллик билан, довюраклик билан, дадил; ~ **де́йствовать** дадил ҳаракат қилмоқ.

БЕЗБОЯЗНЕННЫЙ, -ая, -ое *книжн.* қўрқмайдиган, довюрак, юракли, дадил, мардона.

БЕЗБРА́ЧИ/Е *с* никоҳсизлик, бўйдоқлик; хотинсиз (эрсиз) яшаш; **обе́т ~я** уйланмаслик (ёки эрга тегмаслик) ҳақидаги аҳд.

БЕЗБРА́ЧНЫЙ, -ая, -ое никоҳсиз; никоҳдан ўтмаган, никоҳланмаган.

БЕЗБРЕ́ЖНОСТЬ *ж* поёнсизлик, чексизлик.

БЕЗБРЕ́ЖН/ЫЙ, -ая, -ое; -жен, -жна бепоён, чексиз; **~ое мо́ре** бепоён денгиз; **~ая любо́вь** чексиз муҳаббат.

БЕЗБРО́ВЫЙ, -ая, -ое қошсиз, қоши йўқ, силлиқ қош.

БЕЗВЕ́РИЕ *с* худога (динга) ишонмаслик, даҳрийлик.

БЕЗВЕ́СТНО *нареч.* бедарак, дараксиз, ном-нишонсиз; **~ отсу́тствующий** бедарак йўқолган, дараксиз бўлиб кетган.

БЕЗВЕ́СТНОСТ/Ь *ж* 1 номаълумлик, нотанишлик; 2 бедараклик, ном-нишонсизлик, хат-хабар (дарак) йўқлик; 3 шуҳратсизлик, ҳеч кимга маълум-машҳур эмаслик; **жить в ~и** хилватда, гўшада яшамоқ.

БЕЗВЕ́СТН/ЫЙ, -ая, -ое; -тен, -тна 1 номаълум, нотаниш; **~ый о́стров** номаълум орол, ҳали ҳеч кимга маълум бўлмаган орол; 2 донғи чиқмаган, номи, шуҳрати ҳеч кимга маълум бўлмаган; **~ый геро́й** *ҳеч* кимга маълум бўлмаган қаҳрамон, шуҳрати чиқмаган қаҳрамон; **~ое отсу́тствие** *юр.* дом-дараксиз ғойиб бўлиш, бедарак йўқолиш.

БЕЗВЕ́ТРЕННЫЙ, -ая, -ое шамолсиз, шамол йўқ, тинч, сокин; **~ день** шамолсиз (сокин) кун.

БЕЗВЕ́ТРИЕ *с* шамолсизлик, шамолнинг йўқлиги, ҳавонинг сокинлиги; тинч, сокин ҳаво.

БЕЗВИ́ННО *нареч. книжн.* айбсиз, гуноҳсиз, айби (гуноҳи) бўлмаган ҳолда; **~ пострада́вший** айбсиз заҳмат чеккан, гуноҳсиз азоб тортган.

БЕЗВИ́ННОСТЬ *ж* бегуноҳлик, гуноҳсизлик, айбсизлик, маъсумлик.

БЕЗВИ́ННЫЙ, -ая, -ое; -нен, -нна айби (гуноҳи) йўқ; бегуноҳ, айбсиз, гуноҳсиз, маъсум.

БЕЗВКУ́СИЕ *с уст. то же, что* **безвку́сица.**

БЕЗВКУ́СИЦА *ж* диднинг йўқлиги, дидсизлик; дидсизлик билан қилинган нарса.

БЕЗВКУ́СНО *нареч.* бемаза, ўхшовсиз, дидсиз; **~ одева́ться** ўхшовсиз (дидсиз) кийинмоқ.

БЕЗВКУ́СН/ЫЙ, -ая, -ое; -сен, -сна 1 мазаси, таъми йўқ, мазасиз, таъмсиз, бемаза; **~ая еда́** бемаза овқат; 2 дидсизлик билан ишланган, дидга ёқмайдиган, ўхшовсиз; **~ая обстано́вка** ўхшовсиз (дидга ёқмайдиган) жиҳоз; 3 диди йўқ, дидсиз; **~ый, примити́вный челове́к** диди йўқ, тўпори одам.

БЕЗВЛА́СТИЕ *с* ҳокимиятсизлик, бебошлик.

БЕЗВО́ДН/ЫЙ, -ая, -ое; -ден, -дна 1 сувсиз, сувга ташна, қақраган, қурғоқ; **~ая пусты́ня** сувсиз чўл, қақраган чўл; 2 *хим.* сувсиз, суви йўқ; **~ая кислота́** сувсиз кислота.

БЕЗВО́ДЬЕ *с* сувсизлик, сувга ташналик, сув танқислиги, қуруқчилик, қурғоқчилик.

БЕЗВОЗБРА́ННО *нареч. книжн.* тўсиқсиз, монесиз, бемалол, хоҳлаганча.

БЕЗВОЗВРА́ТНО *нареч.* бадар, қайтмас, қайтмайдиган бўлиб; **~ исче́знуть** бадар кетмоқ.

БЕЗВОЗВРА́ТН/ЫЙ, -ая, -ое; -тен, -тна қайтмас, қайтмайдиган, қайтариб бўлмайдиган, қайтиб келмайдиган, абадий қўлдан кетган; **~ая поте́ря** абадий йўқотиқ; абадий йўқотиш; 2 қайтариб берилмайдиган (олинмайдиган); **~ая ссу́да** қайтарилмайдиган ссуда; еб кетарга берилган қарз.

БЕЗВОЗДУШН/ЫЙ, -ая, -ое ҳаво йўқ, ҳавосиз; **~ое простра́нство** ҳавосиз бўшлиқ, ҳаво йўқ фазо.

БЕЗВОЗМЕ́ЗДНО *нареч.* пул (ҳақ) олмасдан, текинга, бекорга, пулсиз, бепул, беминнат.

БЕЗВОЗМЕ́ЗДН/ЫЙ, -ая, -ое; -ден, -дна пул (ҳақ) олинмайдиган, текин, бепул, пулсиз; **~ое по́льзование землёй** ердан бепул фойдаланиш; **~ая по́мощь** бегараз ёрдам.

БЕЗВО́ЛИЕ *с* иродаси йўқлик, иродасизлик, қатъиятсизлик, бўшлик.

БЕЗВОЛО́СЫЙ, -ая, -ое сочи йўқ, сочсиз, туксиз, тақир.

БЕЗВО́ЛЬНО *нареч.* беихтиёр, ихтиёрсиз равишда.

БЕЗВО́ЛЬНЫЙ, -ая, -ое; -лен, -льна иродаси йўқ (бўш), иродасиз, қатъиятсиз.

БЕЗВРЕ́ДНЫЙ, -ая, -ое; -ден, -дна зарар (зиён) етказмайдиган, зарарсиз, безарар, безиён; **~ челове́к** безиён (безарар, беозор) одам, ювош одам.

БЕЗВРЕ́МЕННИК *м бот.* саврињон.

БЕЗВРЕ́МЕННО *нареч.* вақтидан илгари, бевақт, эрта.

БЕЗВРЕ́МЕНН/ЫЙ, -ая, -ое; -нен, -нна вақтидан илгари (эрта) юз берган, бевақт, бемаҳал, бемаврид; **~ая смерть** бевақт ўлим.

БЕЗВРЕ́МЕНЬЕ *с уст.* оғир вақт, мусибатли кунлар, қийинчилик даври; ижтимоий, маданий турғунлик.

БЕЗВЫЕ́ЗДНО *нареч.* муқим, ҳеч қаёққа жилмай, бир ерда муқим туриб; **~ жить** *где-л.* бирор ерда муқим яшамоқ.

БЕЗВЫЕ́ЗДН/ЫЙ, -ая, -ое ҳеч қаёққа жилмасдан ўтказилган, бир ерда муқим ўтказиладиган; **~ое житьё** ҳеч қаёққа жилмай бир ерда муқим яшаш.

БЕЗВЫХО́ДНО *нареч.* ҳеч қаёққа чиқмасдан; жилмай; **~ сиде́ть до́ма** ҳеч қаёққа жилмай уйда ўтирмоқ, уйдан эшикка чиқмаслик.

БЕЗВЫХО́ДНОСТЬ *ж* ножсизлик, чорасизлик; мушкуллик; **~ положе́ния** аҳволнинг мушкуллиги.

БЕЗВЫХО́ДН/ЫЙ, -ая, -ое; -ден, -дна 1 ҳеч қаёққа жилмай (уйдан эшикка чиқмай) ўтказиладиган; **~ое сиде́нье до́ма** уйдан эшикка чиқмай ўтириш; 2 *перен.* чорасиз, иложсиз, қийин, мушкул; **~ое положе́ние** қийин (мушкул) аҳвол, чорасиз аҳвол.

БЕЗГЛА́ЗЫЙ, -ая, -ое кўзи (ёки бир кўзи) йўқ, кўр.

БЕЗГЛА́СНЫЙ, -ая, -ое; -сен, -сна *уст.* 1 тили йўқ, тилсиз; 2 индамас; ўз фикрини очиқ айта олмайдиган, журъатсиз, ювош, мўмин.

БЕЗГОЛО́ВЫЙ, -ая, -ое 1 боши йўқ, бошсиз, калласиз; 2 *перен. разг.* мияси (ақли) йўқ, миясиз, ақлсиз, ақли паст; 3 *перен. разг.* паришонхотир, унутувчан, хотираси суст.

БЕЗГОЛО́СИЦА *ж* овози йўқлик, овози пастлик.

БЕЗГОЛО́СЫЙ, -ая, -ое товуши паст, овози йўқ; овози бўғиқ; **~ певе́ц** овози йўқ ашулачи.

БЕЗГРА́МОТНО *нареч.* саводсизларча, саводсизлик (билимсизлик) билан, кўп хато билан; **~ писа́ть** саводсизларча ёзмоқ, ёзувда кўп хато қилмоқ.

БЕЗГРА́МОТНОСТЬ *ж* 1 саводсизлик, ўқиш-ёзишни билмаслик, омийлик; 2 *перен.* чаласаводлик, чала ўқиганлик, билимсизлик.

БЕЗГРА́МОТН/ЫЙ, -ая, -ое; -тен, -тна 1 хат-саводи йўқ, ўқиш-ёзишни билмайдиган, саводсиз; 2 *перен.* чаласавод, чала ўқиган, етарли билими йўқ, билимсиз, бехабар; **техни́чески ~ый челове́к** техникадан чаласавод (билими кам, бехабар) одам; 3 саводсизларча ёзилган, билимсизларча ишланган; хатоси кўп, чаласавод; **~ое письмо́** чаласавод хат; **~ый чертёж** чаласавод чизма.

БЕЗГРАНИ́ЧНО *нареч.* 1 чексиз, чегарасиз; 2 чексиз, беҳад, бениҳоя, жуда ҳам; **~ пре́данный** чексиз садоқатли.

БЕЗГРАНИ́ЧН/ЫЙ, -ая, -ое; -чен, -чна 1 чегараси, охир-поёни йўқ, чексиз, чегарасиз, бепоён; **~ые просто́ры** бепоён кенгликлар;

2 *перен.* чексиз, ҳаддан зиёд, жуда ҳам; **~ые возмо́жности** чексиз имкониятлар; **~ая любо́вь** ҳаддан зиёд муҳаббат, чексиз севги.

БЕЗГРЕ́ШНЫЙ, -ая, -ое; -шен, -шна 1 гуноҳи йўқ, гуноҳсиз, бегуноҳ; 2 *перен. соф.* пок, ҳалол.

БЕЗДА́РНО *нареч.* нўноқлик (уқувсизлик) билан, нўноқ, уқувсиз.

БЕЗДА́РНОСТЬ *ж* 1 истеъдодсизлик, истеъдоди (қобилияти, таланти) йўқлик, қобилиятсизлик; талантсизлик, нўноқлик, уқувсизлик; 2 истеъдодсиз (қобилияти, таланти йўқ) одам, нўноқ (уқуви йўқ) одам.

www.ziyouz.com kutubxonasi

БЕ́ЗДАРН/ЫЙ, -ая, -ое; -рен -рна 1 истеъдоди (қобилияти, таланти) йўқ, истеъдодсиз, қобилиятсиз, талантсиз; **~ый поэ́т** истеъдодсиз шоир; 2 уқувсизлик билан ишланган, нўноқ, уқувсиз; **~ая карти́на** нўноқ расм.

БЕ́ЗДАРЬ *ж разг.* истеъдодсиз одам.

БЕЗДЕ́ЙСТВЕННЫЙ, -ая, -ое ҳаракатсиз, фаолиятсиз, суст; бекор.

БЕЗДЕ́ЙСТВИЕ *с* ҳаракатсизлик, фаолиятсизлик, бекор туриш; бекор қараб туриш.

БЕЗДЕ́ЙСТВ/ОВАТЬ *несов.* 1 ҳаракатсиз (бекор қараб) турмоқ, сусткашлик қилмоқ, фаолият кўрсатмаслик; **когда́ тре́буется на́ша по́мощь, мы не мо́жем ~овать** бизнинг ёрдамимиз керак бўлган бир пайтда биз қараб тура олмаймиз; 2 ишламай тўхтаб турмоқ, бекор турмоқ; **фа́брика ~ует** фабрика ишламаяпти.

БЕЗДЕ́ЛИЦА *ж разг.* арзимаган нарса, майда нарса.

БЕЗДЕЛУ́ШК/А *ж, р. мн.* **-шек** майда-чуйда безак, буюм; **же́нские ~и** хотинлар безаги.

БЕЗДЕ́ЛЬ/Е *с* 1 бекорчилик, бекор (бўш) юриш; **томи́ться от ~я** бекорчиликдан зерикмоқ; 2 арзимаган иш, бекорчи иш.

БЕЗДЕ́ЛЬНИК *м разг.* 1 бекорчи; бекорчихўжа, ялқов, танбал, ишёқмас; 2 *бран.* ярамас, такасалтанг.

БЕЗДЕ́ЛЬНИЦА *ж разг. см.* **безде́льник.**

БЕЗДЕ́ЛЬНИЧАТЬ *несов. разг.* бекор юрмоқ, ялқовлик (танбаллик) қилиб юрмоқ.

БЕЗДЕНЕ́ЖНЫ/Й, -ая, -ое 1 пулсиз, нақд пул тўланмай қилинадиган; **~е расчёты** пулсиз расчёт (нақд пул тўланмай қилинадиган ҳисоб-китоб); 2 *разг.* пули йўқ, пулсиз, ҳамёни қуруқ; **~й челове́к** пулсиз (ҳамёни қуруқ) одам.

БЕЗДЕ́НЕЖЬЕ *с* пулсизлик, пулга зорлик, пулдан сиқилиш.

БЕЗДЕ́ТНОСТЬ *ж* боласизлик, фарзандсизлик.

БЕЗДЕ́ТНЫЙ, -ая, -ое; -тен, -тна боласиз, бефарзанд.

БЕЗДЕФЕ́КТН/ЫЙ, -ая, -ое браксиз, нуқсонсиз, дефектсиз, бенуқсон; **~ое изготовле́ние проду́кции** бенуқсон маҳсулот ишлаб чиқармоқ.

БЕЗДЕФИЦИ́ТНЫЙ, -ая, -ое; -тен, -тна дефицитсиз (кирим-чиқим, даромад-буромад тенг бўлган).

БЕЗДЕЯ́ТЕЛЬНОСТЬ *ж* фаолиятсизлик, ҳаракатсизлик, ғайратсизлик, фаолият кўрсатмай (ҳаракат қилмай) туриш.

БЕЗДЕЯ́ТЕЛЬНЫЙ, -ая, -ое; -лен, -льна фаолиятсиз, ҳаракатсиз, ғайратсиз, суст.

БЕ́ЗДНА *ж* 1 тагсиз (тубсиз) чуқурлик, жар, чоҳ; 2 *чего или какая* чуқур жой, қаър; **~ океа́на** океан қаъри; 3 *перен. чего разг.* сон-саноқсиз, ҳисобсиз, беҳад кўп; **~ люде́й** тумонат одам; **~ дел** иш беҳад кўп, иш бошдан ошиб ётибди; ✦ **~ премудрости** *шутл.* билим кони, кони ақл.

БЕЗДО́ЖДИЕ *с* ёғинсизлик, қурғоқчилик.

БЕЗДОКАЗА́ТЕЛЬНОСТЬ *ж* далил-исботларнинг йўқлиги, далилсизлик, исботсизлик, асоссизлик.

БЕЗДОКАЗА́ТЕЛЬНЫ/Й, -ая, -ое; -лен, -льна далилсиз, исбот қилинмаган, асоссиз; **~е обвине́ния** асоссиз айблов.

БЕЗДО́ЛЬЕ *с прост.* и *обл.* ҳамма нарсадан маҳрумлик, бебаҳралик, бенасиблик, ўксизлик.

БЕЗДО́ЛЬНЫЙ, -ая, -ое; -лен, -льна *прост.* ҳамма нарсадан маҳрум бўлган, бебаҳра, бенасиб, ўксиз.

БЕЗДО́МНОСТЬ *ж* уй-жойсизлик, бошпанасизлик, беватанлик.

БЕЗДО́МН/ЫЙ -ая, -ое; -мен, -мна 1 уй-жойсиз, бошпанасиз, беватан; **~ый броде́яга** уй-жойсиз дарбадар, беватан дайди; **~ая соба́ка** дайди ит; 2 онласи, бола-чақаси йўқ, сўққабош.

БЕЗДО́ННЫЙ, -ая, -ое 1 тагсиз, тубсиз, таги йўқ; жуда чуқур; **~ая про́пасть** жуда чуқур, тубсиз жар; 2 *перен.* чексиз, бепоён; ✦ **~ая бо́чка** *разг. шутл.* 1) жуда кўп нчадиган одам, мечкай; 2) кўп пул ейдиган иш.

БЕЗДОРО́ЖНЫЙ, -ая, -ое йўлсиз, қатнов йўллари йўқ.

БЕЗДОРО́ЖЬЕ *с* йўлсизлик (1 қатнов йўлларининг **камлиги ёки йўқлиги; 2** йўллар бузиладиган ёки бекилиб қоладиган ёғин-сочин вақт); **осе́ннее ~** кузги йўлсизлик (кузда йўлларнинг бекилиб қолиши).

БЕЗДОХО́ДНЫЙ, -ая, -ое; -ден, -дна фойда (даромад) келтирмайдиган, даромадсиз, фойдасиз.

БЕЗДУ́МН/ЫЙ, -ая, -ое; -мен, -мна ўйламасдан қилинган; ҳеч нарсани ўйламайдиган, мулоҳазасиз; **~ая жизнь** бепарво ҳаёт, ҳеч нарсани ўйламай яшаш.

БЕЗДУ́МЬЕ *с* ҳеч нарсани ўйламаслик, хаёлпаришонлик.

БЕЗДУ́ШИЕ *с* тошбағирлик, шафқатсизлик, бераҳмлик.

БЕЗДУ́ШН/ЫЙ, -ая, -ое; -шен, -шна 1 *уст.* жонсиз, ўлик; **~ое те́ло** ўлик жон; 2 шафқатсиз, бераҳм, бағри тош; **~ый челове́к** бераҳм одам; 3 руҳсиз, завқсиз, жонсиз, ўлик; **~ая игра́ актёров** актёрларнинг руҳсиз ўйини.

БЕЗДЫ́МНЫЙ, -ая, -ое тутунсиз, тутун чиқмайдиган, бетутун; **~ порох** тутунсиз порох.

БЕЗДЫХА́ННЫЙ, -ая, -ое; -а́нен, -а́нна нафаси тўхтаган, дами чиқмай қолган, жонсиз; **Кто э́тот всада́ник ~?** (Лермонтов) Бу ўлик отлиқ ким? 2 нафасини ичига ютган; нафаси ичига тушиб кетган.

БЕЗЕ́ *с нескл. кул.* безе (тухум оқидан аталаб қилинган енгил пирожное).

БЕЗЖА́ЛОСТНО *нареч.* аямай, раҳм-шафқат қилмай, шафқатсизлик билан, бешафқат, аёвсиз.

БЕЗЖА́ЛОСТНОСТЬ *ж* раҳмсизлик, шафқатсизлик, бераҳмлик.

БЕЗЖА́ЛОСТНЫЙ, -ая, -ое; -тен, -тна аямайдиган, раҳмсиз, шафқатсиз, бераҳм, қаҳрли, қаҳри қаттиқ, бешафқат.

БЕЗЖИ́ЗНЕННОСТЬ *ж* жонсизлик, ҳаётсизлик, руҳсизлик; **~ взгля́да** қарашнинг руҳсизлиги.

БЕЗЖИ́ЗНЕНН/ЫЙ, -ая, -ое; -нен, -ненна 1 ўлик, жонсиз, ўлик-тириклик нишонаси йўқ; **~ое те́ло** жонсиз тан, жасад, ўлик; 2 *перен.* руҳсиз, жонсиз, ўлик; **~ый взгляд** руҳсиз қараш.

БЕЗЗАБО́ТНО *нареч.* ғам-ташвиш тортмай, ташвишсиз, беғам, беташвиш, бепарво.

БЕЗЗАБО́ТНОСТЬ *ж* беғамлик, бепарволик, беташвишлик.

БЕЗЗАБО́ТН/ЫЙ, -ая, -ое; -тен, -тна 1 ғам-ташвишдан ҳоли, беташвиш, беғам; **~ая жизнь** беташвиш ҳаёт; 2 ғам-ташвиш тортмайдиган, беғам, бепарво; **~ый челове́к** беғам одам.

БЕЗЗАВЕ́ТНО *нареч.* фидокорона, фидойилик билан, беҳад садоқат билан, жон-дил билан, сидқидилдан; **~ люби́ть ро́дину** ватанни жон-дил билан севмоқ.

БЕЗЗАВЕ́ТНОСТЬ *ж* фидокорлик, фидойилик, садоқатлилик, содиқлик, садоқат.

БЕЗЗАВЕ́ТН/ЫЙ, -ая, -ое; -тен, -тна фидокор, фидойи, садоқатли, содиқ; беҳад, чексиз; **~ая пре́данность** чексиз фидойилик; **~ая хра́брость** беҳад қаҳрамонлик; **~ое служе́ние наро́ду** халққа садоқат билан хизмат қилиш.

БЕЗЗАКО́НИ/Е *с* 1 қонунга риоя қилмаслик, қонунни бузиш; 2 қонунга хилоф ҳаракат; қонунсизлик; **соверша́ть ~я** қонунга хилоф иш тутмоқ, қонунни бузмоқ.

БЕЗЗАКО́ННО *нареч.* қонунсиз, қонунга хилоф ҳолда, равишда.

БЕЗЗАКО́ННОСТЬ *ж* қонунсизлик, қонунга риоя қилмаслик, қонунни бузиш.

БЕЗЗАКО́ННЫ/Й, -ая, -ое; -нен, -нна қонунсиз, қонунга хилоф бўлган; **~е де́йствия** қонунга хилоф ҳаракатлар, қонунга қарши ишлар.

БЕЗЗАСТЕ́НЧИВО *нареч.* уялмай, тортинмай, беорлик билан, уят-андиша (истиҳола) қилмасдан.

БЕЗЗАСТЕ́НЧИВОСТЬ *ж* уятсизлик, андишасизлик, бетамизлик, беорлик, бетсизлик.

БЕЗЗАСТЕ́НЧИВ/ЫЙ, -ая, -ое уятсиз, бетсиз, уят-андишани билмайдиган, истиҳола қилмайдиган, тортинмайдиган, беор, бетамиз, истиҳоласиз; **~ый лжец** уялмай-нетмай ёлғон гапирувчи; **~ая ложь** уялмай-нетмай айтилган ёлғон гап, ғирт ёлғон.

БЕЗЗАЩИ́ТНОСТЬ; *ж* ҳимоясизлик, ожизлик, чорасизлик; мудофаасизлик; **~ ребёнка** боланинг ҳимоясизлиги, ожизлиги, чорасизлиги.

www.ziyouz.com kutubxonasi

БЕЗЗАЩИ́ТНЫЙ, -ая, -ое; -тен, -тна ўзини ҳимоя қила олмайдиган, ожиз, бечора; ҳимоячисиз; ~**ое созда́ние** ўзини ҳимоя қила олмайдиган одам, ожиз одам.

БЕЗЗВЁЗДНЫЙ, -ая, -ое; -ден, -дна юлдузсиз; ~**ое не́бо** юлдузсиз осмон.

БЕЗЗВУ́ЧНО *нареч.* товуш чиқармай, индамай, овозсиз, товушсиз, унсиз, жимжитлик билан; оҳистагина; ~ **пла́кать** овоз чиқармай йиғламоқ, ичида йиғламоқ, инграмоқ; ~ **пролете́л планёр** планёр овозсиз учиб ўтди.

БЕЗЗВУ́ЧНОСТЬ *ж* овозсизлик, товушсизлик, жимлик.

БЕЗЗВУ́ЧНЫЙ, -ая, -ое; -чен -чна товушсиз, овозсиз, унсиз, жим; паст овозли; ~ **полёт** товушсиз учиш; ~ **смех** овозсиз кулги.

БЕЗЗЕМЕ́ЛЬЕ *с* ерсизлик, ерга муҳтожлик, ери камлик, ер танқислиги.

БЕЗЗЕМЕ́ЛЬНЫЙ, -ая, -ое ерсиз, ери йўқ, ери кам, ерга муҳтож; ~**е крестья́не** ерсиз деҳқонлар.

БЕЗЗЛО́БНО *нареч.* ғазабланмай, жаҳл қилмасдан, беғараз, тўғри.

БЕЗЗЛО́БНЫЙ, -ая, -ое; -бен, -бна жаҳлсиз, беғараз, ювош, юмшоқ кўнгилли; ~**ый челове́к** юмшоқ кўнгилли одам; ~**ый смех** беғараз кулги; ~**ая шу́тка** беғараз ҳазил.

БЕЗЗУ́БЫЙ, -ая, -ое тиши йўқ, тишсиз, тиши тушган, кемшик; 2 *перен.* кучсиз, заиф, бўш, таъсири йўқ; ~**ая кри́тика** таъсирсиз танқид, бўш танқид, пахмоқ танқид.

БЕЗЛЕ́СЬЕ *с* ўрмонсизлик, ўрмонлар (дов-дарахтзорлар) камлиги, йўқлиги.

БЕЗЛИ́К/ИЙ, -ая, -ое ўз қиёфасига (ўзига хос хусусиятга) эга бўлмаган, бошқалардан фарқли (ажралиб турадиган) ери йўқ; у ҳам эмас, бу ҳам эмас, мужмал; ~**ий челове́к** у ҳам эмас, бу ҳам эмас одам; ~**ая толпа́** ҳаммаси бир-бирига ўхшаган одамлар; ~**ая кри́тика** мужмал танқид.

БЕЗЛИ́СТВЕННЫЙ, -ая, -ое баргсиз, япроқсиз, барги йўқ ёки тўкилиб кетган, кўкармаган; ~ **лес** баргсиз ўрмон.

БЕЗЛИ́СТНЫЙ, -ая, -ое *то же, что* **безли́ственный.**

БЕЗЛИ́ЧИЕ *с* ўзига хос хусусиятга, қиёфага эга эмаслик.

БЕЗЛИ́ЧН/ЫЙ, -ая, -ое; -чен, -чна ўзига хос хусусиятларга эга бўлмаган, у ҳам эмас, бу ҳам эмас, мужмал; ~**ый челове́к** у ҳам эмас, бу ҳам эмас одам; ✦ ~**ый глаго́л** *грам.* шахссиз феъл; ~**ое предложе́ние** *грам.* эгасиз (шахссиз) гап.

БЕЗЛОША́ДНЫЙ, -ая, -ое оти йўқ, отсиз; ~**е крестья́не** отсиз деҳқонлар.

БЕЗЛУ́НН/ЫЙ, -ая, -ое ойсиз, ойдинсиз, қоронғи; ~**ая ночь** ойсиз (қоронғи) тун.

БЕЗЛЮ́ДН/ЫЙ, -ая, -ое; -ден, -дна 1 аҳолисиз, аҳолиси йўқ ёки кам, сийрак; ~**ая ме́стность** аҳолисиз жой; аҳолиси кам (сийрак) жой; 2 одамсиз, одам кам, одам сийраклашиб қолган, бўм-бўш; пастқам, хилват; ~**ая у́лица** одамсиз (бўм-бўш) кўча; хилват кўча; ✦ ~**ый фонд** штатсиз фонд (штатдан ташқари тўланадиган пул фонди).

БЕЗЛЮ́ДЬЕ *с* одамсизлик, одам камлиги, етишмаслиги.

БЕЗМЕ́Н *м* қўл тарози.

БЕЗМЕ́РНО *нареч.* жуда, жуда ҳам, беҳад, ғоят(да); **я ~ рад** ғоят хурсандман.

БЕЗМЕ́РНОСТЬ *ж* беўлчовлик, чексизлик.

БЕЗМЕ́РН/ЫЙ, -ая, -ое; -рен, -рна беўлчов, беҳад, чексиз, ҳаддан ташқари, ҳаддан зиёд, ортиқ; ~**ая ра́дость** ҳаддан ташқари хурсандчилик, чексиз шодлик.

БЕЗМО́ЗГЛЫЙ, -ая, -ое *разг.* мияси (калласи) йўқ, миясиз, аҳмоқ.

БЕЗМО́ЛВИЕ *с* жимжитлик, тинчлик, сукунат; **наступи́ло ~** жимжитлик (сукунат) чўкди.

БЕЗМО́ЛВНО *нареч.* жимгина, индамай, чурқ этмай, дамини чиқармай, сукут (қилиб) сақлаб.

БЕЗМО́ЛВНЫЙ, -ая, -ое; -вен, -вна 1 индамас, гапирмас; оғзи йўқ-тили йўқ; тилсиз, жимжитлик (сукунат) сақловчи; ~**й свиде́тель** тилсиз шоҳид; ~**й зри́тель** сукунат сақловчи томошабин. 2 сўзсиз, товушсиз; ~**й отве́т** сўзсиз (имо билан берилган) жавоб; 3 *перен.* чурқ этган товуш йўқ, жимжит, сокин, сукунатдаги, сукунатли; ~**е ночны́е у́лицы** тунги жимжит кўчалар.

БЕЗМОЛВСТВ/ОВАТЬ *несов.* жим турмоқ, индамай турмоқ, сукут қилмоқ, сукунат сақламоқ; сукунатга чўкмоқ; **все в ко́мнате ~ уют** хонадаги ҳамма одамлар сукут сақламоқда; **всё вокру́г ~ ует** бутун атроф жимжит, бутун атроф сукунатга чўккан.

БЕЗМОТО́РНЫЙ, -ая, -ое 1 мотори йўқ, моторсиз; 2 моторни ишлатмай, моторсиз; ~ **полёт самолёта** самолётнинг товушсиз (моторни ўчириб қўйиб) учиши.

БЕЗМЯТЕ́ЖНО *нареч.* ғам-ташвиш нима эканини билмай, тинч, беташвиш.

БЕЗМЯТЕ́ЖНОСТЬ *ж* 1 тинчлик, осойишталик; 2 хотиржам, вазмин ҳолат, хотиржамлик.

БЕЗМЯТЕ́ЖН/ЫЙ, -ая, -ое; -жен, -жна ғам-ташвишдан ҳоли, тинч, беташвиш, хотиржам, ҳаловатли, осуда, осойишта; ~**ое де́тство** беташвиш болалик; ~**ый сон** тинч уйқу, ҳаловатли уйқу.

БЕЗНАДЁЖНО *нареч.* умидни узса ҳам бўладиган даражада; умидсизлик (ишончсизлик) билан, умидсизларча, умидни узиб...; ~**отста́ть** умидни узса ҳам бўладиган даражада орқада қолмоқ; ~ **покача́ть голово́й** умидсизлик билан бош чайқатмоқ.

БЕЗНАДЁЖНОСТЬ *ж* 1 чорасизлик, иложсизлик, ночорлик; ~ **положе́ния** аҳволнинг ночорлиги, чорасизлиги; 2 ноумидлик, умидсизлик, ишончсизлик.

БЕЗНАДЁЖНЫЙ, -ая, -ое; -жен, -жна 1 умид қилиб бўлмайдиган, тузалмайдиган, тузалиши, ўзгариши қийин (маҳол), тузалмас; ~ **больно́й** тузалишига умид йўқ касал; 2 умидсиз, ишончсиз, ноумид; ~ **взгляд** ноумид боқиш, умидсизлик билан қараш, умидсиз назар ташлаш.

БЕЗНАДЗО́РНОСТЬ *ж* назоратсизлик, қаровсизлик, боқимсизлик.

БЕЗНАДЗО́РНЫЙ, -ая, -ое; -рен, -рна назоратсиз қолган, боқимсиз, қаровсиз; ~ **ребёнок** назоратсиз қолган бола, боқимсиз бола.

БЕЗНАКА́ЗАННО *нареч.* жазо олмасдан (бермасдан), бежазо, жазосиз; **э́то ему́ не пройдёт ~** бунинг учун у жазосиз қолмайди, у бундан бежазо (жазоланмай) қутула олмайди; у албатта бунинг жазосини тортади.

БЕЗНАКА́ЗАННОСТЬ *ж* жазосизлик, жазо кўрмаслик, жазоланмаслик, жазога тортилмаслик, жазога тортмай қолдириш.

БЕЗНАКА́ЗАННЫЙ, -ая, -ое жазосиз; жазосиз қолдирилган, жазога тортилмаган, жазоланмаган, бежазо; **преступле́ние, оста́вшееся ~м** жазосиз қолдирилган жиноят.

БЕЗНАЛИ́ЧНЫЙ, -ая, -ое нақд пулсиз; ~ **расчёт** нақд пулсиз (банк орқали қилинадиган) расчёт, пулсиз расчёт, ҳисоб-китоб.

БЕЗНАЧА́ЛИЕ *с книжн.* раҳбарсизлик, бошлиқсизлик, бошбошдоқлик, ҳар ким ўз бошига қўйилган ҳолат.

БЕЗНО́ГИЙ, -ая, -ое 1 оёғи (оёқлари) йўқ, оёқсиз, чўлоқ; ~ **инвали́д** оёқсиз инвалид; 2 *разг.* ўтириб қолган, юролмайдиган, оёқлари шол; 3 *разг.* оёқлари йўқ, оёқлари синган, оёқсиз; ~ **стул** оёқсиз (оёқлари йўқ) стул.

БЕЗНО́СЫЙ, -ая, -ое 1 бурни йўқ, бурунсиз, пучуқ; 2 тумшуғи (жўмраги) йўқ, тумшуқсиз, жўмраксиз; ~ **ча́йник** жўмраксиз чойнак.

БЕЗНРА́ВСТВЕННО *нареч.* ахлоқсизлик билан, ахлоқсизларча, беахлоқ; ~ **вести́ себя́** ўзини ахлоқсизларча тутмоқ, беахлоқ юрмоқ.

БЕЗНРА́ВСТВЕННОСТЬ *ж* ахлоқсизлик, беахлоқлик, ахлоқи бузуқлик, бадахлоқлик, фосиқлик.

БЕЗНРА́ВСТВЕННЫЙ, -ая, -ое ахлоқсиз, беахлоқ, ахлоқи бузуқ, бадахлоқ, фосиқ, ахлоқ нормаларига сиғмайдиган; ~ **челове́к** ахлоқсиз одам; ~ **посту́пок** ахлоқ нормаларига сиғмайдиган (қилиқ) ҳаракат.

БЕЗО *см.* **без.**

БЕЗОБИ́ДНО *нареч.* ранжитмасдан, хафа қилмасдан, қаттиқ тегмай, беғараз, беозор.

www.ziyouz.com kutubxonasi

БЕЗОБИ́ДН/ЫЙ, -ая, -ое; -ден, -дна 1 ранжитмайдиган, хафа қилмайдиган, қаттиқ тегмайдиган, беғараз; ~ая **шу́тка** беғараз ҳазил; 2 ювош, мулойим, беозор; ~**ый челове́к** ювош (беозор) одам.

БЕЗО́БЛАЧНОСТЬ *ж* 1 булутсизлик, очиқлик, мусаффолик; 2 *перен. книжн.* порлоқлик, беғуборлик; ~ **сча́стья** бахтнинг беғуборлиги (порлоқлиги).

БЕЗО́БЛАЧН/ЫЙ, -ая, -ое; -чен, -чна 1 булутсиз, очиқ, мусаффо; ~**ое не́бо** мусаффо осмон, очиқ ҳаво; 2 *перен. книжн.* порлоқ, беғубор; ~**ое сча́стье** беғубор (порлоқ) бахт; ~**ая жизнь** порлоқ ҳаёт; ~**ое де́тство** беғубор болалик.

БЕЗОБРА́ЗИЕ *с* 1 хунуклик, бадбашаралик, беўхшовлик; 2 номаъқулчилик, бемаънигарчилик, расвогарчилик; ўтакетган тартибсизлик; ярамас (номаъқул, ножўя) иш, хатти-ҳаракат, қилиқ; 3 *в знач. сказ. разг.* бемазагарчилик, тартибсизлик; **что за** ~**!** бу қандай бемазагарчилик!

БЕЗОБРАЗ/И́ТЬ, -а́жу, -а́зишь *несов.* 1 (*сов.* **обезобра́зить**) *кого-что* хунуклаштирмоқ, бузмоқ, расво қилмоқ; хунук қилиб (бузиб) кўрсатмоқ; **э́то пла́тье** ~ **ит ва́шу фигу́ру** бу кўйлак қоматингизни хунук қилиб кўрсатяпти; 2 *прост. то же, что* **безобра́зничать**.

БЕЗОБРА́ЗНИК *м разг.* тартибсиз (тарбиясиз, тўполончи) одам, бадкирдор.

БЕЗОБРА́ЗНИЦА *ж разг. см.* **безобра́зник**.

БЕЗОБРА́ЗНИЧАТЬ *несов. разг.* тартибсизлик қилмоқ; ахлоқсизлик (номаъқулчилик, бемаънигарчилик) қилмоқ, ножўя иш (хатти-ҳаракат, қилиқ) қилмоқ.

БЕЗОБРА́ЗНО *нареч.* 1 хунукдан-хунук қилиб (бўлиб); хунук; **вы́глядеть** ~ хунук кўринмоқ; 2 тартиб-интизомга риоя қилмай, чакки, ножўя; ~ **вести́ себя́** ўзини ёмон тутмоқ, бемаънилик қилмоқ.

БЕЗО́БРАЗНЫЙ, -ая, -ое; -зен, -зна *лит.* образсиз.

БЕЗОБРА́ЗНЫЙ, -ая, -ое; -зен, -зна 1 жуда хунук, кўримсиз, бадбашара; 2 *перен.* чакки, ножўя, ярамас, қабиҳ; ~ **посту́пок** ярамас хатти-ҳаракат, ножўя иш, қилиқ.

БЕЗОГЛЯ́ДНО *нареч.* ўйламасдан, орқа-ўнгини суриштирмасдан, таваккалига; **он** ~ **щедр** у орқа-ўнгини суриштирмайдиган сахий одам, хотамтой.

БЕЗОГЛЯ́ДН/ЫЙ, -ая, -ое 1 кўз илғамайдиган (илғамас), поёни кўринмайдиган, бепоён; ~**ое простра́нство** кўз илғамас кенг фазо.

2 ўйламасдан қилинган, таваккалига, орқа-ўнгини суриштирмай бажарилган.

БЕЗОГОВО́РОЧНО *нареч.* сўзсиз, эътироз билдирмай, шарт қўймасдан; итоат билан; ~ **вы́полнить прика́з** буйруқни сўзсиз бажармоқ.

БЕЗОГОВО́РОЧН/ЫЙ, -ая, -ое сўзсиз, эътирозсиз, писандасиз, қатъий; ~**ая капитуля́ция** сўзсиз капитуляция, сўзсиз таслим бўлиш; ~**ая подде́ржка** сўзсиз қўллаб-қувватлаш.

БЕЗОПА́СНО *нареч.* 1 хавф-хатардан ҳоли ҳолда, бехатар; 2 *в знач. сказ.* хавфсиз; хавф-хатарсиз, хавф-хатар йўқ; **здесь соверше́нно** ~ бу ерда мутлақо хавф-хатар йўқ.

БЕЗОПА́СНОСТ/Ь *ж* хавфсизлик, хавф-хатарсизлик, бехатарлик; **междунаро́дная** ~**ь** халқаро хавфсизлик; **те́хника** ~**и** хавфсизлик техникаси; **находи́ться в** ~**и** хавфсизликда бўлмоқ; хавф-хатардан ҳоли бўлмоқ; **охра́на госуда́рственной** ~**и** давлат хавфсизлигини сақлаш.

БЕЗОПА́СН/ЫЙ, -ая, -ое; -сен, -сна 1 хавфсиз, хавф-хатарсиз, бехатар, бетаҳлика, хавф-хатардан ҳоли; ~**ое ме́сто** хавфсиз жой; 2 хавфсиз, зарарсиз, безарар; ~**ое сре́дство** хавфсиз восита; ~**ая бри́тва** хавфсиз устара; 3 *уст.* хавф-хатар таҳлиди йўқ, хавф-хатардан тинч; **...кто осторо́жен, тот почти́ всегда́ соверше́нно безопа́сен** (Чернышевский) эҳтиёткор одам деярли ҳамма вақт мутлақо тинч бўлади.

БЕЗОПО́РН/ЫЙ, -ая, -ое таянчи (таянчиғи) йўқ, таянчсиз, суянчиқсиз, бетаянч, муаллақ; ~**ое состоя́ние в откры́том ко́смосе** очиқ космосдаги муаллақ ҳолат.

БЕЗОРУ́ЖН/ЫЙ, -ая, -ое; -жен, -жна 1 қуролсиз, яроғ-аслаҳасиз, қуролланмаган; ~**ое ми́рное населе́ние** қуролсиз тинч аҳоли; ~**ый охра́нник** қуролсиз қоровул; 2 *перен.* қуролсиз, ҳимоя учун қуроли (далили, дастаги, гапи) йўқ; ~**ый в спо́ре** баҳсда қуролсиз, баҳслашиш учун ҳеч қандай қуроли (дастаги) йўқ.

БЕЗОСНО́ВАТЕЛЬНО *нареч.* беасос, асоссиз, далилсиз, (асос) далил бўлмагани ҳолда.

БЕЗОСНО́ВАТЕЛЬНОСТЬ *ж* асоссизлик, далилсизлик.

БЕЗОСНО́ВАТЕЛЬНЫЙ, -ая, -ое; -лен, -льна асоси (далили) бўлмаган, асосланмаган, асоссиз; далилсиз, беасос.

БЕЗОСТАНО́ВОЧНО *нареч.* тўхтамай, тинмай, тўхтовсиз, узлуксиз равишда; **дви́гаться** ~ тўхтовсиз ҳаракат қилмоқ.

БЕЗОСТАНО́ВОЧНЫЙ, -ая, -ое; -чен, -чна тўхтовсиз давом этган (этадиган), узлуксиз, бетиним, муттасил; ~ **марш** тўхтовсиз юриш (марш).

БЕЗО́СТ/ЫЙ, -ая, -ое *спец.* қилтиқсиз, қилтириқсиз; ~**ый злак** қилтиқсиз (қилтириқсиз) дон (экинлари); ~**ая пшени́ца** қилтириқсиз буғдой.

БЕЗОТВА́ЛЬНО *нареч.* ағдармасдан; **паха́ть зябь** ~ ағдармасдан шудгор қилмоқ.

БЕЗОТВА́ЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое 1 ағдармасдан ҳайдалган (ҳайдаладиган); ~**ая обрабо́тка земли́** ерни ағдармасдан ҳайдаш; 2 ағдармасдан ҳайдайдиган; ~**ые ору́дия** ерни ағдармасдан ҳайдайдиган қуроллар.

БЕЗОТВЕ́ТН/ЫЙ, -ая, -ое; -тен, -тна 1 жавобсиз, жавобсиз қолган; бир томонлама; ~**ая любо́вь** бир томонлама севги, рад этилган муҳаббат; 2 гап қайтармайдиган, итоатли, ювош; ~**ое существо́** гап қайтаролмайдиган одам, итоатли киши.

БЕЗОТВЕ́ТСТВЕННО *нареч.* масъулиятсизлик билан, жавобгарликни ҳис қилмай, бепарволарча.

БЕЗОТВЕ́ТСТВЕННОСТЬ, *ж* масъулиятсизлик, жавобгарликни сезмаслик, ишга бепарволик билан қараш; **прояви́ть** ~ масъулиятсизликка йўл қўймоқ, бепарволик қилмоқ.

БЕЗОТВЕ́ТСТВЕНН/ЫЙ, -ая, -ое масъулиятни ҳис қилмайдиган, жавобгарликни сезмайдиган, бепарво; масъулиятсизлик билан қилинган; ~**ое отноше́ние к де́лу** ишга масъулиятсизлик билан қараш, ишга масъулиятсизларча муносабат; ~**ое реше́ние** масъулиятсизлик билан қилинган қарор.

БЕЗОТКА́ЗНО *нареч.* 1 тўхтамасдан, бузилмасдан, тўхтамай, бузилмай; **механи́зм рабо́тал** ~ механизм тўхтаб қолмай (бузилмай) ишлаб турди; 2 йўқ демасдан, бўйин товламасдан.

БЕЗОТКА́ЗНЫЙ, -ая, -ое; -зен, -зна 1 тўхтамасдан (бузилмасдан) ишлайдиган; ~ **механи́зм** тўхтамасдан (бузилмасдан) ишлайдиган механизм;

2 *разг.* ҳеч йўқ демайдиган, ишдан бош тортмайдиган, бўйин товламайдиган; ~ **рабо́тник** ишдан бўйин товламайдиган ходим.

БЕЗОТКА́ТН/ЫЙ, -ая, -ое: ~**ое ору́дие** орқага тепмайдиган тўп (қурол).

БЕЗОТЛАГА́ТЕЛЬНО *нареч.* тез, кечиктирмай, зудлик билан, шошилинч (ошиғич) равишда.

БЕЗОТЛАГА́ТЕЛЬНЫ/Й, -ая, -ое; -лен, -льна кечиктириб бўлмайдиган, зуд-зарур; тез, шошилинч, ошиғич; ~**е ме́ры** ошиғич чоралар; ~**й отъе́зд** шошилинч жўнаб кетиш, зудлик билан жўнаш.

БЕЗОТЛУ́ЧНО *нареч.* жилмай, силжимай, ҳеч қаёққа чиқмасдан, кетмасдан, узоқлашмасдан, қимирламай; ~ **сиде́ть до́ма** ҳеч қаёққа жилмай уйда ўтирмоқ; **Всё вре́мя Ма́ша была́ тут** ~ (Чернышевский) Маша доим шу ерда бўлди (шу ердан ҳеч қаёққа жилмади).

БЕЗОТЛУ́ЧН/ЫЙ, -ая, -ое; -чен, -чна бирор ердан жилмайдиган, кетмайдиган; ~**ый сто́рож** доим жойида бўладиган қоровул; ~**ое сиде́ние у посте́ли больно́го** бемор ёнидан кетмай (жилмай) ўтириш.

БЕЗОТНОСИ́ТЕЛЬНО *нареч.* қатъи назар, қиёс қилмай, нисбат бермай; ~ *к чему-л.* бирор нарсага қиёс қилмаган ҳолда; -дан қатъи назар.

БЕЗОТНОСИ́ТЕЛЬНЫЙ, -ая, -ое; -лен, -льна қатъи назар, қиёс қилмасдан (нисбат бермасдан олинган) қилинган; мутлақ.

БЕЗОТРА́ДНО *нареч.* рўшнолик (хузур-ҳаловат) кўрмасдан, беҳаловат, ғам-ҳасратда, ғамгин, ноҳуш.

www.ziyouz.com kutubxonasi

БЕЗОТРАДНОСТЬ *ж* ғамгинлик, ғамноклик, нохушлик, ҳузур-ҳаловат (рўшонлик) йўқлиги.

БЕЗОТРАДН/ЫЙ, -ая, -ое; -ден, -дна ҳузур-ҳаловат (рўшонлик) йўқ, ғам-ҳасратли, нохуш, маҳзун; **~ое положе́ние** нохуш ҳолат; **~ая жизнь** ғам-ҳасрат билан тўлган ҳаёт, рўшнолик кўрмай кун кечириш.

БЕЗОТРЫВНО *нареч. разг.* узилмасдан, тўхтатмасдан, тарк этмай.

БЕЗОТРЫВН/ЫЙ, -ая, -ое узилмасдан (ажралмасдан, тарк этмасдан) қилинадиган (бўладиган); **~ое обуче́ние** ишни ташламасдан (ишдан ажралмасдан) ўқиш, ишлаб туриб ўқиш.

БЕЗОТЦО́ВЩИНА *ж* 1 отасиз ўсиш, отасизлик, бепадарлик; 2 *собир. прост.* отасиз (ўсган) болалар, отасизлар, бепадарлар.

БЕЗОТЧЁТНО *нареч.* 1 *книжн.* ўзи ҳам билмасдан, сезмасдан; ўйламасдан, ғайришуурий равишда, беихтиёр; **~ идти́ вперёд** беихтиёр олға қараб бормоқ; 2 ҳисоб-китобсиз, ҳисоб-китоб қилмай, суриштирмай, контролсиз равишда; **~ распоряжа́ться деньга́ми** пулни ҳисоб-китобсиз сарф қилмоқ, пулни суриштирмай харжламоқ.

БЕЗОТЧЁТНЫЙ, -ая, -ое; -тен, -тна 1 ўзи ҳам билмай (сезмай, ўйламасдан) қилинган, ғайришуурий, беихтиёр; **~ страх** беихтиёр қўрқув (қўрқиш); 2 беҳисоб-бекитоб, контролсиз.

БЕЗОШИ́БОЧНО *нареч.* хатога йўл қўймай, янглишмай, хато қилмай, хатосиз, аниқ, тўппа-тўғри, бехато; **~ определи́ть во́зраст** ёшини аниқ айтиб бермоқ.

БЕЗОШИ́БОЧНОСТЬ *ж* хатосизлик, бехатолик, аниқлик, тўғрилик.

БЕЗОШИ́БОЧН/ЫЙ, -ая, -ое; -чен, -чна 1 хатосиз (бехато) қилинган, янглишилмаган, бехато, тўппа-тўғри, аниқ; **~ расчёт** хатосиз ҳисоб-китоб; бехато расчёт; 2 янглишмайдиган, хато қилмайдиган, кўзи пишган; **~ый цени́тель** *чего-л.* бирор нарсанинг қадрини яхши биладиган (бехато қадр-қимматига етадиган) одам.

БЕЗРАБО́ТИЦ/А *ж* ишсизлик, ишчиларнинг ишсиз қолиши; **ма́ссовая ~а в капиталисти́ческих стра́нах** капиталистик мамлакатлардаги оммавий ишсизлик; **части́чная ~а** қисман ишсизлик; **социали́зм не зна́ет ~ы** социализм ишсизликни билмайди, социализм даврида ишсизлик бўлмайди.

БЕЗРАБО́ТН/ЫЙ, -ая, -ое 1 ишсиз, ишдан маҳрум қилинган, ишсиз бўлиб қолган; **по́лностью ~ый** бутунлай ишсиз; **части́чно ~ый** қисман ишсиз; 2 *в знач. сущ.* **~ый** *м*, **~ая** *ж* ишсиз (беиш) киши; **а́рмия ~ых** ишсизлар армияси.

БЕЗРАДОСТНО *нареч.* рўшнолик (ҳузур-ҳаловат) кўрмасдан, нохуш.

БЕЗРАДО́СТН/ЫЙ, -ая, -ое; -тен, -тна ғамгин, ғамнок, қайғули, ғам-ҳасратли, ҳузур-ҳаловатсиз; рўшнолик йўқ (кўрмай); **~ая жизнь** ҳузур-ҳаловатсиз ҳаёт, ғам-ҳасрат билан тўлган ҳаёт; рўшнолик кўрмай кун кечириш.

БЕЗРАЗДЕ́ЛЬНО *нареч.* ҳеч ким билан бўлишмай, танҳо, якка ўзи, тўла; **владе́ть** *чем-л.* **~** тўла эга бўлмоқ, танҳо эга бўлмоқ.

БЕЗРАЗДЕ́ЛЬНОСТЬ *ж* ҳеч ким билан бўлинмаслик, бўлишмаслик, танҳо (тўла) ҳукмрон, эга бўлиш.

БЕЗРАЗДЕ́ЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое; -лен, -льна ҳеч ким билан бўлишилмайдиган, танҳо бир кишига мансуб; тўлиқ, тўла; шериксиз; **~ое госпо́дство** тўла ҳокимлик, танҳо ҳукмронлик.

БЕЗРАЗЛИ́ЧИЕ *с* эътиборсизлик, лоқайдлик, бепарволик, аҳамият бермаслик; **~ко всему́** ҳамма нарсага эътиборсизлик билан қараш, лоқайдлик.

БЕЗРАЗЛИ́ЧНО *нареч.* 1 эътиборсизлик билан, аҳамият бермай, лоқайд, бефарқ; **относи́ться ~** бефарқ муносабатда бўлмоқ; 2 *в знач. сказ.* бари бир; **мне ~** менга бари бир; **✦ ~кто (или что)** ким бўлса ҳам бари бир, ким бўлишидан қатъи назар.

БЕЗРАЗЛИ́ЧН/ЫЙ, -ая, -ое; -чен, -чна бирор (ёки ҳамма) нарсага бепарво (бефарқ) қарайдиган, лоқайд; **~ый взгляд** лоқайд қараш; **с ~ым ви́дом** бепарволик билан, лоқайдлик билан, лоқайд; 2 *для кого, кому* кимса учун аҳамиятсиз, аҳамияти йўқ, аҳамияти бўлмаган; **он мне безрази́чен** унинг менга аҳамияти йўқ; 3 бошқалардан фарқ қилмайдиган, фарқи йўқ, бир хил; **✦ ~ое равнове́сие** *физ.* бефарқ мувозанат.

БЕЗРАЗМЕ́РНЫ/Й, -ая, -ое размерсиз (ҳамма размерга ҳам тўғри келаверадиган); **~е носки́** размерсиз носки.

БЕЗРАССУ́ДНО *нареч.* 1 ўйламай, муҳокама (мулоҳаза) қилиб кўрмай; телбаларча, тентакларча; **поступи́ть ~** ўйламай иш қилмоқ; тентакларча иш тутмоқ; 2 *в знач. сказ.* муҳокамасизлик, тентаклик; ақлдан эмас; **э́то ~!** бу ақлдан эмас; бу тентаклик!

БЕЗРАССУ́ДНОСТЬ *ж то же, что* **безрассу́дство** 1.

БЕЗРАССУ́ДН/ЫЙ, -ая, -ое; -ден, -дна ўйламай қилинган, муҳокама (мулоҳаза) қилиб кўрилмаган; бемулоҳаза; **~ый посту́пок** ўйламай қилинган ҳаракат; бемулоҳаза қилинган иш; **~ая сме́лость** ўйламай (қизиқ устида, жон аччиғида) кўрсатилган жасорат.

БЕЗРАССУ́ДСТВО *с* 1 ўйламай иш қилиш, бемулоҳазалик; 2 ўйламай қилинган иш.

БЕЗРЕЗУЛЬТА́ТНО *нареч.* натижасиз, бенатижа, беҳуда, бекор(га).

БЕЗРЕЗУЛЬТА́ТНОСТЬ *ж* натижасизлик, самарасизлик.

БЕЗРЕЗУЛЬТА́ТН/ЫЙ, -ая, -ое; -тен, -тна натижасиз, самарасиз, бефойда, беҳуда; **~ый о́пыт** натижасиз тажриба; **~ая попы́тка** беҳуда уриниш; **~ый спор** бефойда баҳс.

БЕЗРЕ́ЛЬСОВЫ/Й, -ая, -ое *тех.* рельссиз; темир изсиз; **~й тра́нспорт** рельссиз транспорт; **~е доро́ги** рельссиз йўллар.

БЕЗРО́Г/ИЙ, -ая, -ое шохи йўқ, шохсиз, бешох, мугузсиз, тўқол; **~ая коза́** шохсиз эчки, тўқол эчки.

БЕЗРО́ДНЫ/Й, -ая, -ое; -ден, -дна 1 ота-онасиз, етим, есир, ёлғиз, кимсасиз, уруғ-аймоғи, ҳеч кими йўқ; **~й броде́га** ҳеч кими йўқ дайди (дарбадар); 2 *перен.* беватан, ватангадо; 3 *уст.* зоти паст, аслзот бўлмаган; **~й дворя́нин** зоти паст дворян.

БЕЗРО́ПОТНО *нареч.* товуш чиқармай, зорланмай, итоаткорона бош эгиб; сабр қилиб; **~ повинова́ться** итоаткорона бош эгмоқ, бўйин товламай итоат этмоқ.

БЕЗРО́ПОТНОСТЬ *ж* итоаткорлик, итоаткорона бош эгиш, сабр-тоқат қилиш, нолимаслик, зорланмаслик.

БЕЗРО́ПОТНЫЙ, -ая, -ое; -тен, -тна итоаткор, нолимайдиган, зорланмайдиган, товуш чиқармайдиган, сабр-тоқатли.

БЕЗРУКА́ВКА *ж, р. мн.* **-вок** енгсиз кийим, нимча.

БЕЗРУКА́ВНЫЙ, -ая, -ое енги йўқ, енгсиз.

БЕЗРУ́КИЙ, -ая, -ое 1 қўли йўқ, қўлсиз, қўли чўлоқ; 2 *перен. разг.* қўлидан иш келмайдиган, дастпанжаси йўқ, ношуд.

БЕЗРЫБИЦА *ж то же, что* **безры́бье.**

БЕЗРЫБЬЕ *с* балиқ йўқлиги, балиқ камлиги; **✦ на ~** (бирор нарса) етишмаса, бўлмаса, йўгида; **на ~ и рак ры́ба** балиқ бўлмаса, қисқичбақа ҳам бўлаверади (сув йўғида таяммум).

БЕЗУБЫТО́ЧНО *нареч.* зиён қилмай, зарар кўрмай (ёки келтирмай), безиён; **торгова́ть ~** безиён савдо қилмоқ.

БЕЗУБЫТО́ЧНОСТЬ *ж* зиёнсизлик, зарар кўрмаслик ёки келтирмаслик.

БЕЗУБЫТО́ЧН/ЫЙ, -ая, -ое; -чен, -чна зиён қилмайдиган, зарар келтирмайдиган, зиёнсиз, хаёнли; **~ое предприя́тие** зарар кўрмай ишлайдиган корхона.

БЕЗУДА́РНЫЙ, -ая, -ое *лингв.* урғу олмайдиган, урғусиз; **~ слог** урғусиз бўғин.

БЕЗУДЕ́РЖНО *нареч.* тўхтамай, тўхтатмай, тиймай, ўзини тўхтата олмай, интилиб.

БЕЗУДЕ́РЖН/ЫЙ, -ая, -ое; -жен, -жна тўхтатиб (тийиб) бўлмайдиган, тийиқсиз; **~ый смех** ўзини тўхтатиб бўлмайдиган кулги; ўзини тўхтата олмай (тутолмай) кулиш; **~ая фанта́зия** тийиқсиз фантазия; **~ая го́нка вооруже́ний** тийиқсиз қуролланиш пойгаси.

БЕЗУКОРИЗНЕННО *нареч.* ҳеч камчилик топиб бўлмайдиган йўсинда, бенуқсон, бекам-кўст, беқусур.

www.ziyouz.com kutubxonasi

БЕЗУКОРИЗНЕННОСТЬ *ж* бенуқсон, кам-кўсти йўқлик, қусурсизлик.

БЕЗУКОРИЗНЕНН/ЫЙ, -ая, -ое бенуқсон, кам-кўсти йўқ, қусурсиз; ~**ая рабо́та** бенуқсон иш; ~**ое поведе́ние** бенуқсон хулқ-атвор; ~**ый рабо́тник** нуқсонсиз ходим.

БЕЗУ́МЕЦ *м, р.* **-мца** 1 *уст.* ақлдан озган одам, тентак, жинни; 2 ўйламай иш қиладиган одам, бемулоҳаза одам.

БЕЗУ́МИ/Е *с* 1 *уст.* ақлдан озганлик, жиннилик; **припа́док** ~**я** жиннилиги тутиш; 2 ўйламасдан иш қилиш; ўйламасдан қилинган иш; **соверши́ть** ~**е** ўйламасдан бирор иш қилиб қўймоқ; ✦ **до** ~**я** ҳаддан ташқари, ғоят (да), жуда, ўлгудай; **люби́ть до** ~**я** жуда севмоқ.

БЕЗУ́МНО *нареч. разг.* 1 ўйламасдан, мулоҳаза қилиб кўрмай, ақлсизларча, тентакларча; 2 жуда ҳам, ҳаддан ташқари, ғоят(да), улгудай; ~ **люби́ть** ҳаддан ташқари севмоқ, ғоятда яхши кўрмоқ.

БЕЗУ́МН/ЫЙ, -ая, -ое; -мен, -мна 1 *уст.* ақлдан озган, телба, жинни; 2 *в знач. сущ.* ~**ый** *м* ақлдан озган киши, жинни; ~**ая** *ж* ақлдан озган аёл; 3 жинниларга хос бўлган, жиннилардек, телбанамо; ~ **взгляд** телбанамо боқиш; 4 *разг.* ўйламасдан қилинган, ақлдан ташқари; **ое наме́рение** ақлдан ташқари ўй-ният; 5 *перен. разг.* ғоят, ниҳоят даражадаги, ҳаддан ташқари ортиқ; ~**ая уста́лость** ҳаддан ташқари чарчаганлик, ортиқ чарчоқ; ~**ый страх** ҳаддан ташқари қўрқиш; қўрқиб жон-пони чиқиш.

БЕЗУМО́ЛЧНЫЙ, -ая, -ое; -чен, -чна *книжн.* тинмайдиган, ўчмайдиган, босилмайдиган, тўхтовсиз, тинимсиз, бетиним; ~ **шум мо́ря** денгизнинг тинимсиз шовқини.

БЕЗУ́МСТВО *с то же, что* **безу́мие.**

БЕЗУМСТВОВАТЬ *несов.* ўйламай иш қилмоқ; ақлини еб қўймоқ.

БЕЗУПРЕ́ЧНО *нареч.* ҳеч камчилик топиб бўлмайдиган йўсинда, бенуқсон, бекам-кўст, беқусур.

БЕЗУПРЕ́ЧНОСТЬ *ж* бенуқсонлик, бекам-кўстлик, қусурсизлик.

БЕЗУПРЕ́ЧН/ЫЙ, -ая, -ое; -чен, -чна бенуқсон, бекам-кўст, қусурсиз; ~**ое поведе́ние** бенуқсон хулқ-атвор; ~**ая репута́ция** ҳеч доғ тушмаган ном; пок ном.

БЕЗУСА́ДОЧНЫЙ, -ая, -ое киришмайдиган; ~ **подкла́дочный матери́ал** киришмайдиган астарли материал.

БЕЗУСЛО́ВНО *нареч.* 1 албатта, сўзсиз, шак-шубҳасиз; ~**я приду́** мен албатта келаман; 2 *в знач. вводн. сл.* албатта, мутлақо; муқаррар, турган гап; ~, **он прав** у, мутлақо ҳақ(ли).

БЕЗУСЛО́ВНОСТЬ *ж* шак-шубҳасизлик, қатъийлик; ~ **сужде́ний** муҳокаманинг (мулоҳазанинг, фикрнинг) қатъийлиги.

БЕЗУСЛО́ВН/ЫЙ, -ая, -ое; -вен, -вна 1 беписанда, шартсиз, сўзсиз; тўла; ~**ое подчине́ние** сўзсиз бўйсуниш; тўла тобелик; 2 шубҳага ўрин қолдирмайдиган, шак-шубҳасиз, муқаррар, қатъий, аниқ; ~**ая уда́ча** шак-шубҳасиз ютуқ (муваффақият); қатъий ғалаба; ✦ ~**ый рефле́кс** *см.* **рефле́кс.**

БЕЗУСПЕ́ШНО *нареч.* бекорга, бекордан-бекор, беҳуда, бефойда; ~ **стара́ться** беҳуда уринмоқ.

БЕЗУСПЕ́ШНОСТЬ *ж* муваффақиятсизлик, натижасизлик, беҳудалик.

БЕЗУСПЕ́ШН/ЫЙ, -ая, -ое; -шен, -шна муваффақиятсиз, фойдасиз, бекор, беҳуда; ~**ая попы́тка** беҳуда уриниш.

БЕЗУСТА́НН/ЫЙ, -ая, -ое *уст.* тинимсиз, узлуксиз, муттасил, доимий; ~**ая рабо́та** тинимсиз иш.

БЕЗУ́СЫЙ, -ая, -ое мўйлови йўқ, мўйлови чиқмаган, мўйловсиз; ~ **юне́ц** ҳали мўйлови чиқмаган ёш бола; мўйлови йўқ йигитча.

БЕЗУТЕ́ШНО *нареч.* тасалли топмай, қайғу-ҳасрат билан, ҳасрат чекиб; ~ **рыда́ть** ҳасрат чекиб йиғламоқ; дард-алам билан ҳўнграмоқ.

БЕЗУТЕ́ШН/ЫЙ, -ая, -ое; -шен, -шна тасалли топмаган, тасалли берган билан бўлмайдиган, юракдан чиқмайдиган, дардманд, дард-ҳасратли қўп; ~**ая печа́ль** тасалли берган билан юракдан чиқмайдиган дард-алам.

БЕЗУХ/ИЙ, -ая, -ое қулоғи йўқ, қулоқсиз, қулоғи кесилган, чиноқ; ~**ая соба́ка** чиноқ ит.

БЕЗУЧА́СТИЕ *с* бефарқ қараш, бепарволик, эътиборсизлик, бировнинг дардига қайишмаслик; ~ **ко всему́ происходя́щему** атрофда бўлаётган ҳамма нарсага бепарволик, ҳамма нарсага бепарво қараш.

БЕЗУЧА́СТНО *нареч.* бефарқ, бепарво, эътиборсизлик билан, бировнинг дардига қайишмай.

БЕЗУЧА́СТНОСТЬ *ж то же, что* **безуча́стие.**

БЕЗУЧА́СТНЫЙ, -ая, -ое; -тен, -тна 1 бефарқ, эътиборсиз, лоқайд; бировнинг дардига қайишмайдиган; ~ **зри́тель** лоқайд томошабин; 2 бепарво, парвосиз, лоқайд; ~ **взгляд** лоқайд қараш, бепарво боқиш.

БЕЗЪ- *см.* **без-.**

БЕЗЪЯ́ДЕРН/ЫЙ, -ая, -ое: ~**ая зо́на** ядро қуролидан ҳоли зона.

БЕЗЪЯЗЫКИЙ, -ая, -ое тили чиқмаган; тили йўқ, тилсиз, гунг.

БЕЗЪЯЗЫЧНЫЙ, -ая, -ое *то же, что* **безъязы́кий.**

БЕЗЫДЕ́ЙНОСТЬ *ж* ғоясизлик, маслаксизлик; ғоявий жиҳатдан бўшлик, пучлик.

БЕЗЫДЕ́ЙНЫЙ, -ая, -ое; -е́ен, -е́йна ғоясиз, маслаксиз; ғоявий жиҳатдан бўш (пуч); ғоявийликдан маҳрум; ~**ое произведе́ние** ғоясиз асар.

БЕЗЫЗВЕ́СТНОСТЬ *ж* номаълумлик, маълум-машҳур эмаслик.

БЕЗЫЗВЕ́СТНЫЙ, -ая, -ое; -тен, -тна номаълум, маълум-машҳур бўлмаган, ҳеч ким билмайдиган.

БЕЗЫМЯ́ННЫЙ, -ая, -ое номсиз, отсиз, исмсиз, исми номаълум; номи йўқолган, муаллифи (яратувчиси) номаълум; номи чиқмаган; ~**ая высота́** номсиз тепалик; ✦ ~**ый па́лец** ён бармоқ, сўфи бармоқ (жимжилоқ ёнидаги, тўртинчи бармоқ).

БЕЗЫНИЦИАТИ́ВНОСТЬ *ж* ташаббуссизлик, ғайратсизлик, пассивлик.

БЕЗЫНИЦИАТИ́ВНЫЙ, -ая, -ое; -вен, -вна ташаббусиз, ғайратсиз, пассив; ~ **рабо́тник** ташаббуссиз (пассив) ходим.

БЕЗЫНТЕРЕ́СНЫЙ, -ая, -ое; -сен, -сна аҳамиятсиз, қизиғи йўқ, қизиқтирмайдиган.

БЕЗЫСКУ́СНЫЙ, -ая, -ое; -сен, -сна нозик (усталик билан) ишланмаган, оддий, содда, жўн.

БЕЗЫСКУ́ССТВЕННОСТЬ *ж* табиийлик, соддалик, оддийлик; ~ **ре́чи** нутқнинг оддийлиги.

БЕЗЫСКУ́ССТВЕННЫЙ, -ая, -ое табиий, содда, оддий; ~ **расска́з** оддий ҳикоя.

БЕЗЫСХО́ДНОСТЬ *ж* иложсизлик, чорасизлик; бедаволик.

БЕЗЫСХО́ДН/ЫЙ, -ая, -ое; -ден, -дна 1 иложсиз, чорасиз; бедаво; 2 битмас-туганмас, адо бўлмайдиган, тугамайдиган; ~**ая тоска́** адо бўлмайдиган ғам-ғайғу; тугамайдиган ҳасрат ва алам.

БЕЙ *м то же, что* **бек** I.

БЕЙСБО́Л *м* бейсбол (тўп ўйинларининг бир тури).

БЕЙСБОЛИ́СТ *м* бейсболчи, бейсболист.

БЕЙСБО́ЛЬНЫЙ, -ая, -ое бейсболга, бейсбол ўйинига оид; бейсбол...; ~ **матч** бейсбол матчи.

БЕЙТ *м* байт.

БЕК I *м* бек.

БЕК II *спорт. уст.* бек, ҳимоячи (футбол, хоккей ўйинида).

БЕКА́С *м* лойхўрак (қуш).

БЕКАСИ́ННИК *м охот.* майда питра.

БЕКАСИ́Н/ЫЙ, -ая, -ое лойхўраккa оид; лойхўрак...; ~**ое гнездо́** лойхўрак уяси (ини).

БЕКЕ́ША *ж* бекеша (бурма бел пальто).

БЕКО́Н *м* бекон (тузланган ёки дудланган ёш чўчқа нимтаси).

БЕКО́ННЫЙ, -ая, -ое беконга оид; бекон...

БЕЛЁК *м, р.* **-лька́** белёк (тюлень боласи).

БЕЛЕН/А́ *ж* мингдевона, шайтонкоса, моховкоса; ~**а́ чёрная** мингдевона, шайтонкоса; ✦ ~**ы́ объе́лся** *гриб. прост.* эсини ебди; жинни бўлиб қолибди; **ты что, ~ы́ объе́лся?** эшакмия едингми?, жинни бўлдингми?, эсингни едингми?

БЕЛЕ́НИЕ *с* оқартириш оқлаш, оққа бўяш; ~ **полотна́** матони оқартириш.

www.ziyouz.com kutubxonasi

БЕЛЕННО́/Й, -а́я, -о́е мингдевонага оид; мингдевонадан олинган; мингдевона...; **~е ма́сло** мингдевона мойи.

БЕЛЁНЫЙ, -ая, -ое оқартирилган, оқланган; **~ холст** оқартирилган бўз, мато.

БЕЛЁСЫ/Й, -ая, -ое оққа мойил, оқиш, оқимтир; **~е бро́ви** оқиш қош; малла қош.

БЕЛЕ́/ТЬ *несов.* 1 (*сов.* **побеле́ть**) оқармоқ, оқ тусга кирмоқ; бўзармоқ; **от испу́га лицо́ его́ на́чало ~ть** қўрққанидан ранги оқара бошлади (ўчиб кетди); 2 оқариб кўринмоқ; **вдали́ ~ют сте́ны домо́з** узоқда уйларнинг деворлари оқариб кўринади. 3 *безл. обл.* ёришмоқ.

БЕЛЕ́ТЬСЯ, -е́ется *несов. разг. то же, что* **беле́ть** 2.

БЕЛИБЕРДА *ж разг.* бемаъни гап, тутуриқсиз нарса; телба-тескари (бош-кети йўқ, бўлар-бўлмас) гаплар.

БЕЛИЗНА *ж* оқлик, оппоқлик, оқ ранг (тус); **~ сне́га** қорнинг оқлиги; **~ ко́жи** баданнинг (терининг) оқлиги.

БЕЛИЛА *мн* 1 белила (оқ минерал бўёқ); **свинцо́вые ~** қўрғошин белиласи; **ци́нковые ~** рух белиласи; 2 ёғупа.

БЕЛИЛЬНЫЙ, -ая, -ое оқлашга оид; оқлайдиган, оқлаш (оқартиш) учун ишлатиладиган; оқлаш...; **~ раство́р** оқлаш учун ишлатиладиган эритма; **~ чан** нарса оқлайдиган идиш.

БЕЛИ́ТЬ, белю́, бе́лишь и **бели́шь** *несов.* 1 (*сов.* **побели́ть**) оқартирмоқ, оқламоқ, оққа бўямоқ; **~ сте́ны** деворларни оқламоқ; 2 (*сов.* **вы́белить**) *спец.* (махсус ишлов бериб) оқартирмоқ; **~ холст** матони (бўзни) оқартирмоқ; 3 (*сов.* **набели́ть**) ёғупа (упа-элик) суртмоқ, ёғупа (упа-элик) суртиб оқартирмоқ; **~ лицо́** юзга ёғупа суртмоқ, упа-элик суриб юзни оқартирмоқ.

БЕЛИ́ТЬСЯ, белю́сь, бе́лишься и **бели́шься** *несов.* 1 (*сов.* **набели́ться**) юзига ёғупа суртмоқ, 2 *страд. от* **бели́ть** 1, 2.

БЕ́ЛИЧ/ИЙ, -ья, -ье 1 олмахонга, тийинга оид; олмахон...; тийин...; **~ье дупло́** олмахон уяси; 2 олмахон терисидан (мўйнасидан) тикилган; **~ья шу́бка** олмахон терисидан (мўйнасидан) қилинган пўстинча.

БЕ́ЛКА *ж, р. мн.* **-лок** 1 олмахон, тийин; 2 олмахон териси, мўйнаси; ✦ **как ~ в колесе́ верте́ться (кружи́ться** и т. п.) тиним билмай, узлуксиз, бетиним(куйманмоқ, югуриб-елмоқ).

БЕЛКО́В/ЫЙ, -ая, -ое оқсил моддасига оид; таркибида оқсил моддаси бўлган, оқсилли; оқсил...; **~ое вещество́** оқсил модда; оқсилли модда.

БЕЛЛАДО́ННА *ж* белладонна (заҳарли ўтсимон ўсимлик ва ундан тайёрланган дори).

БЕЛЛЕТРИ́ЗМ *м* беллетризм, тавсифчилик (адабиётда социал-тарихий анализдан қочиб, соф тавсифчиликка берилиш).

БЕЛЛЕТРИ́СТ *м* беллетрист, беллетристик асарлар ёзувчи адиб.

БЕЛЛЕТРИ́СТИКА *ж* беллетристика (1 прозаик бадиий асарлар; 2 *разг.* ўқилиши осон енгил-елпи асарлар).

БЕЛЛЕТРИСТИ́ЧЕСКИ/Й, -ая, -ое беллетристикадан иборат бўлган; беллетристик; **~е произведе́ния** беллетристик асарлар.

БЕЛОБИЛЕ́ТНИК *м разг.* оқ гувоҳномали одам, ҳарбий хизматдан озодлик ҳақида гувоҳномаси бўлган одам.

БЕЛОБО́К/ИЙ, -ая, -ое оқ биқинли, ёни оқ; **соро́ка ~а** олаҳакка, зағизғон.

БЕЛОБОРО́ДЫЙ, -ая, -ое соқоли оқ, оқ соқол, мўйсафид; **~ стари́к** мўйсафид чол.

БЕЛОБРЫ́СЫЙ, -ая, -ое *разг.* 1 соч-соқоли оқиш, оқимтир, оч малла; оқимтир соч-соқолли; **~ ма́льчик** малла сочли бола; 2 оққа мойил, оқимтир, оч малла (соч-соқол ҳақида).

БЕЛОВА́ТЫЙ, -ая, -ое оққа мойил, оқиш, оқимтир.

БЕЛОВИ́К *м, р.* **-а́** оққа кўчирилган қўл ёзма, кўчирилган нусха, тоза нусха.

БЕЛОВО́Й, -а́я, -о́е оққа кўчирилган, тоза; **~ экземпля́р автореферата́** авторефератнинг оққа кўчирилган нусхаси.

БЕЛОВОЛОСЫЙ, -ая, -ое сочи оқ, оқ соч, оқ сочли; **~ ма́льчик** сочи оқ бола.

БЕЛОГВАРДЕЕЦ *м, р.* **-е́йца** оқ гвардиячи.

БЕЛОГВАРДЕ́ЙСКИ/Й, -ая, -ое оқ гвардияга, оқ гвардиячиларга оид; оқ гвардиячи(лар)...; **~е ба́нды** оқ гвардиячи бандалар.

БЕЛОГВАРДЕ́ЙЩИНА *ж* 1 *собир.* оқ гвардиячилар; 2 оқ гвардиячилик ҳаракати.

БЕЛОГОЛО́ВЫЙ, -ая, -ое бошидаги сочи оқ; оқ сочли.

БЕЛОГРИ́ВЫЙ, -ая, -ое оқ ёлли, ёли оқ, оқ ёл; **~ конь** оқ ёлли от.

БЕЛОГРУДЫЙ, -ая, -ое тўши, кўкраги оқ, оқ тўш(ли); **~ кот** оқ туш(ли) мушук.

БЕЛОДЕРЕ́ВЕЦ *м, р.* **-вца** жилосиз (оддий) буюмлар ясовчи дурадгор.

БЕЛОЗУ́Б/ЫЙ, -ая, -ое оқ тишли, тиши оқ, оқ тиш; **~ая улы́бка** тишининг оқини кўрсатиб кулиш.

БЕЛО́К I *м, р.* **-лка́** оқсил.

БЕЛО́К II *м, р.* **-лка́** 1 тухумнинг оқи; **отдели́ть ~ от желтка́** тухум оқини сариғидан ажратмоқ; 2 кўзнинг оқи.

БЕЛОКАМЕ́ННЫЙ, -ая, -ое *нар.-поэт.* 1 оқ ғиштдан (тошдан) қурилган; оқ ғишт (тош) деворли; **пала́ты ~ые** оқ ғишт (тош) деворли палаталар; 2 иморатлари оқ ғиштдан қурилган; **Москва́ ~ая** иморатлари оқ ғиштдан қурилган Москва.

БЕЛОКРО́ВИЕ *с мед.* оқ қон касаллиги; лейкомия.

БЕЛОКРЫ́ЛЫ/Й, -ая, -ое қанотлари оқ, оқ қанотли, оқ қанот; **~е ча́йки** оқ қанот чайкалар.

БЕЛОКУ́Р/ЫЙ, -ая, -ое оқ-малла, сарғиш сочли; **~ая же́нщина** оқ-малла сочли хотин; 2 оқ-малла, сарғиш; **~ые во́лосы** оқ-малла соч.

БЕЛОЛИ́Ц/ЫЙ, -ая, -ое оқ юзли, юзи оқ, оқ юз; **~ая де́вушка** юзи оқ (оппоқ) қиз.

БЕЛОЛО́БЫЙ, -ая, -ое пешанаси оқ, оқ пешана; қашқа; **~ щено́к** пешанаси оқ кучукбола; **~ конь** қашқа от.

БЕЛО-РОЗОВЫ/Й, -ая, -ое оқ-пушти; **~е цветки́ пе́рсика** шафтолининг оқ-пушти гуллари.

БЕЛОРУ́С *м* белорус; *см.* **белору́сы.**

БЕЛОРУ́СКА *ж, р. мн.* **-сок** белорус аёл; *см.* **белору́сы.**

БЕЛОРУ́ССКИ/Й, -ая, -ое Белоруссияга ва белорусларга оид; Белоруссия...; белорус(лар)...; **~е запове́дные места́** Белоруссиянинг қўриқхона ерлари; **~й язы́к** белорус тили.

БЕЛОРУ́СЫ *мн. (ед.* **белору́с** *м,* **белору́ска** *ж)* белоруслар (Белоруссия ССРнинг туб аҳолисини ташкил этган, шарқий славянларга мансуб халқ).

БЕЛОРУ́ЧКА *м* и *ж, р. мн.* **-чек** *разг.* қўлини совуқ сувга урмайдиган одам, оқбилак, ойимтилла, танноз.

БЕЛОРЫ́БИЦА *ж* оқбалиқ.

БЕЛОСНЕ́ЖН/ЫЙ, -ая, -ое; -жен, -жна қордек (пахтадек) оқ, оппоқ; **~ая ска́терть** қордек (пахтадек) оппоқ дастурхон.

БЕЛОТЕ́ЛЫЙ, -ая, -ое оқ бадан, бадани оқ.

БЕ́ЛОЧКА *ж, р. мн.* **-чек** *уменьш.-ласк. от* **бе́лка.**

БЕЛОШВЕ́ЙКА *ж, р. мн.* **-е́ек** ич кийим (чойшаб, ёстиқ жилд ва ҳ. к.) тикувчи машиначи аёл.

БЕЛОШВЕ́ЙН/ЫЙ, -ая, -ое ич кийим (чойшаб,, ёстиқ жилд ва ҳ. к.) тикадиган; **~ая мастерска́я** ич кийимлар (чойшаб, ёстиқ жилд ва ҳ. к.) тикиш устахонаси.

БЕЛОЭМИГРА́НТ *м* оқ эмигрант.

БЕЛОЭМИГРА́НТСКИЙ, -ая, -ое оқ эмигрантларга оид; оқ эмигрант(лар)...

БЕЛУГ/А *ж* белуга; оқ бакра; ✦ **реве́ть ~ой** *прост.* бақириб йиғламоқ, ўкирмоқ.

БЕЛУЖ/ИЙ, -ья, -ье белугага оид; белуга...; **~ья икра́** белуга икраси.

БЕЛУ́ЖИНА *ж* белуга гўшти.

БЕЛУХА *ж* белуха (Шимолий қутб денгизида яшовчи йирик дельфин).

БЕЛУШ/ИЙ, -ья, -ье белухага оид; белуха...; **~ья шку́ра** белуха териси.

БЕ́Л/ЫЙ, -ая, -ое 1 оқ; **~ая бума́га** оқ қоғоз; **~ый флаг** оқ байроқ; **~ый как полотно́** бўздай оқ; **~ые ру́ки** оппоқ қўллар; 2 оқ; рангсиз; **~ое вино́** оқ вино; **~ый хлеб** оқ нон; 3 оқ бадан, оқ тана, оқ; **~ая ра́са** оқ ирқ; 4 *уст. и обл.* **озода, меҳмон кутиладиган; ~ая полови́на избы́**

www.ziyouz.com kutubxonasi

уйнинг озода (меҳмон кутиладиган) қисми; 5 оқ гвардияга, оқ гвардиячиларга оид; ~**ый терро́р** оқ гвардиячилар террори; ~**ая а́рмия** оқ гвардиячилар армияси; 6 *в знач. сущ.* ~**ые** *мн.* 1) оқлар, оқ гвардиячилар; 2) оқ танлилар; ~**ые и цветны́е** оқ танлилар ва ранглилар; 7 *в знач. сущ.* ~**ые** *мн. шахм.* оқлар, оқ фигуралар (доналар); ~**ые начина́ют** юриш оқлардан; ~**ые сдали́сь** оқлар сингилдилар, оқлар таслим бўлдилар; 8 баъзи номлар таркибига киради; ~**ая куропа́тка** оқ каклик; ~**ый медве́дь** оқ айиқ; ~**ый гриб** оқ қўзиқорин, оқ замбуруғ; ~**ая ака́ция** оқ акация; ✦ ~**ый у́голь** оқ кўмир (сув энергияси ҳақида); ~**ая кость** *ирон.* оқсуяк, зодагон (дворянлар ҳақида); ~**ая горя́чка** алкоголизм оқибатидаги оғир руҳий касаллик; ~**ая смерть** (қип-қизил) офат (наркотик моддалар ҳақида); **торго́вцы ~ой сме́ртью** офатфурушлар, наркотикфурушлар, нашафурушлар; ~**ое духове́нство** оқ руҳонийлар (монахликни қабул қилмаган руҳонийлар); ~**ое кале́ние** 1) *тех.* қизиб оппоқ оқариш; 2) *перен.* қаттиқ жаҳли чиқиш, хуноба; **довести́ до ~ого кале́ния** *кого* қаттиқ жаҳлини чиқармоқ, хуноб қилмоқ, тутақтирмоқ; ~**ое мя́со** оқ гўшт (бузоқ ёки товуқ гўшти); ~**ые но́чи** оқ тун (Шимолда бўладиган ёруғ тунлар); ~**ые стихи́** *лит.* оқ шеър, қофиясиз шеър; **на ~ом све́те** ёруғ дунёда; **среди́ (средь) ~а дня** *разг.* куппа-кундузи; ~**ый биле́т** *разг.* оқ билет, оқ гувоҳнома (ҳарбий хизматдан озод этилганлик ҳақидаги гувоҳнома); **чёрным по ~ому** равшан, очиқ-ойдин; ~**ыми ни́тками ши́то** оқ ип билан тикилган; (очиқ кўриниб турган, ҳаммага аён нарса ҳақида); ~**ая воро́на** оқ қарға (бирор муҳит учун бегона, бошқалардан ажралиб турадиган одам ҳақида); ~**ы́м=~о́** *разг.* оппоқ; сутдек оппоқ; ~**ые пя́тна (или места́)** оқ доғлар, оқ жойлар; 1) ҳали текширилмаган, ўрганилмаган жойлар; 2) ҳали ўрганилмаган, ечилмаган масалалар; **принима́ть ~ое за чёрное** оқни қора деб билмоқ; тўғри нарсани нотўғри деб ҳисобламоқ.

БЕЛЬВЕДЕ́Р *м архит.* бельведер (баландликдаги шийпон, беседка).

БЕЛЬГИ́ЕЦ *м, р.* **-и́йца** бельгиялик киши; *см.* **бельги́йцы.**

БЕЛЬГИ́ЙКА *ж, р. мн.* **-и́ек** бельгиялик аёл; *см.* **бельги́йцы.**

БЕЛЬГИ́ЙСКИЙ, -ая, -ое Бельгияга ва бельгияликларга оид; Бельгия...; бельгиялик(лар)...

БЕЛЬГИ́ЙЦЫ *мн. (ед.* **бельги́ец** *м,* **бельги́йка** *ж)* бельгияликлар, Бельгия аҳолиси; (асосан валлонлардан ва фламандлардан иборат).

БЕЛЬЁ *с собир.* белье, ич кийим; чойшаб, ёстиқ жилд ва ҳ. к.; **стира́ть ~** кир ювмоқ; **посте́льное ~** кўрпа-тўшак бельёси (чойшаб, ёстиқ жилди); **столо́вое ~** сочиқ-дастурхон; **ни́жнее ~** ички кийим, кўйлак-иштон.

БЕЛЬЕВ/О́Й, -а́я, -о́е бельёга ич кийимга оид; бельёбоп; белье...; ич кийим...; ~**о́й шкаф** бельё шкафи; ~**ые тка́ни** бельёбоп газламалар.

БЕЛЬМЕ́С: ни ~а (не зна́ет, не понима́ет и т. п.) *прост.* ҳеч нарса билмайди, тушунмайди.

БЕЛЬМО́ *с, мн.* **бе́льма** кўз доғи, кўзга тушган оқ; ✦ **как ~ на глазу́** *разг.* пашшадек хира, шилқим одам ҳақида.

БЕЛЬЧО́НОК *м, р.* **-нка,** *мн.* **-ча́та** олмахон (тийин) боласи.

БЕЛЬЭТА́Ж *м* 1 иккинчи қават, болохона; 2 бельэтаж (томоша залларида: партердан юқоридаги ўринлар).

БЕЛЯ́К I *м, р.* **-а́** оқ қуён (қишда юнги оқарадиган қуён).

БЕЛЯ́К II *м, р.* **-а́** *прост. то же, что* **белогварде́ец.**

БЕЛЯ́ШИ *мн. (ед.* **беля́ш** *м)* беляш, парамач.

БЕМО́ЛЬ *м муз.* бемоль (товушнинг ярим тон пасайишини билдирувчи нота белгиси).

БЕНГА́ЛЕЦ *м, р.* **-льца** бенгал; *см.* **бенга́льцы.**

БЕНГА́ЛКА *ж, р. мн.* **-лок** бенгал аёл; *см.* **бенга́льцы.**

БЕНГА́ЛЬСКИЙ, -ая, -ое Бенгалияга (Бангладешга) ва бенгалларга оид; Бенгалия...; бенгал(лар)...; ~ **тигр** Бенгалия йўлбарси; ~ **язы́к** бенгал тили; ✦ ~ **ого́нь** мушак ва унинг ранг-баранг олови; **мушакбозлик.**

БЕНГА́ЛЬЦЫ *мн. (ед.* **бенга́лец** *м,* **бенга́лка** *ж)* бенгаллар, Бангладеш аҳолисини ташкил этган халқ.

БЕНЕДИКТИ́Н *м* бенедиктин (ликёр нави).

БЕНЕФИ́С *м театр.* бенефис (ўтмишда бирор артист фойдасига, ҳозир бирор артист ҳурматига қўйилган спектакль);

✦ **устро́ить ~** *кому разг. ирон.* бенефисга олмоқ (қийқириб шармандасини чиқармоқ).

БЕНЕФИ́СНЫЙ, -ая, -ое бенефисга оид; бенефис тарзида қўйилган, бенефис...; ~ **спекта́кль** бенефис спектакли.

БЕНЕФИЦИА́НТ *м* бенефициант, бенефис эгаси (фойдасига ёки ҳурматига бенефис спектакли қўйилган артист).

БЕНЕФИЦИА́НТКА *ж, р. мн.* **-ток** *см.* **бенефициа́нт.**

БЕНЗИ́Н *м* бензин; **авиацио́нный ~** авиацион бензин, авиация бензини.

БЕНЗИ́ННЫЙ, -ая, -ое бензинга оид; бензин...; ~ **за́пах** бензин ҳиди.

БЕНЗИ́НОВЫЙ, -ая, -ое 1 бензинга оид; бензинли, бензин...; ~ **ба́к** бензин баки; 2 бензин билан ишлайдиган, бензин...; ~ **мото́р** бензин билан ишлайдиган мотор.

БЕНЗОБА́К *м* бензобак, бензин баки.

БЕНЗОВО́З *м* бензовоз (бензин ташувчи цистернали автомобиль).

БЕНЗОЗАПРА́ВКА *ж, р. мн.* **-вок** *разг. то же, что* **бензозапра́вочная ста́нция** *см.* **бензозапра́вочный.**

БЕНЗОЗАПРА́ВОЧН/ЫЙ, -ая, -ое 1 бензозаправкага оид, бензин билан заправка қиладиган; бензозаправка...; ~**ый пункт** бензозаправка пункти; ~**ая ста́нция** бензозаправка станцияси; 2 *в знач. сущ.* ~**ая** *ж то же, что* ~**ая ста́нция.**

БЕНЗОЗАПРА́ВЩИК *м* бензозаправщик (бензин билан заправка қиладиган автомобиль-цистерна).

БЕНЗОКОЛО́НКА *ж, р. мн.* **-нок** бензоколонка (автомашиналарга бензин қуйиб берадиган колонка, пункт).

БЕНЗО́Л *м* бензол (химия саноатида ишлатиладиган ёнувчи суюқлик).

БЕНЗОПРОВО́Д *м* бензопровод (бензин оқадиган труба).

БЕНЗОХРАНИ́ЛИЩЕ *с* бензин омбори, бензин сақланадиган жой ёки иншоот.

БЕ́НТОС *м собир.* бентос (чуқур сув ости жониворлари ва ўсимликлари); ~ **Ара́льского мо́ря** Орол денгизи бентоси.

БЕНУА́Р *м* бенуар (томоша залларида: пастки ярус ложалари); **ло́жа ~а** бенуар ложаси.

БЕРБЕ́Р *м* барбар; *см.* **берберы.**

БЕРБЕ́РКА *ж, р. мн.* **-рок** барбар аёл; *см.* **берберы.**

БЕРБЕ́РСКИ/Й, -ая, -ое барбарларга оид; барбар(лар)...; ~**е языки́** барбар тиллари.

БЕРБЕ́РЫ *мн. (ед.* **берберы́** *м,* **берберка** *ж)* барбарлар (Шимолий Африка ғарбий қисмининг туб аҳолиси).

БЕРГАМО́Т *м* бергамот (1 цитруслар оиласига мансуб дарахт; 2 йирик серсув нок).

БЕРГАМО́ТНЫЙ, -ая, -ое *то же, что* **бергамо́товый.**

БЕРГАМО́ТОВ/ЫЙ, -ая, -ое бергамотга оид; бергамот...; ~**ое де́рево** бергамот дарахти; ~**ое ма́сло** бергамот мойи.

БЕРДА́НКА *ж, р. мн.* **-нок** берданка (милтиқ).

БЕ́РДО *с спец.* тўқув станогининг тароғи.

БЕРДЫ́Ш *м, р.* **-а́** ойболта.

БЕ́РЕГ *м, мн.* **-а́** 1 қирғоқ, соҳил; лаб бўй; ~ **мо́ря** денгиз соҳили; **на ~у́ реки́** дарё соҳилида (лабида, бўйида); **идти́ ~ом (по ~у)** қирғоқ бўйлаб бормоқ; **река́ вы́шла из ~о́в** дарё тошиб кетди; 2 соҳил, қирғоқ, ер; **сойти́ на ~** қирғоққа (ерга) тушмоқ (кемадан); **списа́ться на ~** кемадан бўшаб қиргоқдаги хизматга ўтмоқ.

БЕРЕГОВ/О́Й, -а́я, -о́е 1 қирғоққа, соҳилга оид; қирғоқ...; соҳил...; ~**а́я ли́ния** қирғоқ линияси (чизиғи); ~**о́й ве́тер** соҳил шамоли; соҳилдан эсган (эсадиган) шамол; 2 қирғоқда жойлашган; соҳилдаги, сув бўйидаги; қирғоқ..., соҳил...; ~**а́я оборо́на** қирғоқ мудофааси; ~**о́е рыболо́вство** соҳилдан туриб балиқ овлаш, соҳил яқинидаги балиқ ови.

www.ziyouz.com kutubxonasi

БЕРЕДИ́ТЬ, -ежу́, -еди́шь *несов. (сов.* **разбередить**) *что* 1 тегиб оғритмоқ, оғриққа киргизмоқ, оғриғини кучайтирмоқ; ~ **боля́чку** ярага тегиб оғритмоқ; 2 *перен.* қўзғатмоқ, тирнамоқ, таталамоқ; безовта қилмоқ; ~ **ду́шу** ичини таталамоқ, юрагини тирнамоқ; ~ **ста́рые ра́ны** эски дардни қўзғатмоқ, ярага туз сепмоқ.

БЕРЕЖЁН/ЫЙ, -ая, -ое *обл.* 1 эҳтиёт қилинган, сақланган; 2 эҳтиёткор; ~ **его́ бог бережёт** *погов.* эҳтиёткор одамни худо сақлайди, ўзинг эҳтиёт бўлсанг, худо ҳам асрайди.

БЕРЕЖЛИВО *нареч.* 1 тежаб-тергаб, аяб, қисиб-қимтиб, тежамкорлик билан; ~ **расхо́довать сре́дства** маблағларни тежаб-тергаб (тежамкорлик билан) сарф қилмоқ; 2 *то же, что* **бе́режно**.

БЕРЕЖЛИ́ВОСТЬ *ж* 1 тежаб-тергаш, аяш; тежамкорлик; 2 *уст. то же, что* **бе́режность**.

БЕРЕЖЛИ́ВЫЙ, -ая, -ое 1 тежамкор; аяб (тежаб-тергаб) сарф қиладиган; ~ **хозя́ин** тежамкор хўжайин; 2 *то же, что* **бе́режный**.

БЕ́РЕЖНО *нареч.* 1 авайлаб, эҳтиёт қилиб, эҳтиёткорлик билан, эҳтиёткорона, зиён-заҳмат етказмай; ~ **обраща́ться** *с чем-л.* (эҳтиёткорона муносабатда бўлмоқ; эҳтиёт бўлиб фойдаланмоқ); авайламоқ; 2 ғамхўрлик билан, ардоқлаб; ~ **относи́ться** *к кому-л.* ғамхўрлик билан қарамоқ, ардоқламоқ.

БЕ́РЕЖНОСТЬ *ж* 1 эҳтиёткорлик, авайлаш; 2 ғамхўрлик.

БЕ́РЕЖН/ЫЙ, -ая, -ое 1 эҳтиёткор, эҳтиётли; ~**ое обраще́ние** авайлаш, авайлаб сақлаш. эҳтиёт қилиш; 2 ғамхўр; ~**ое отноше́ние к лю́дям** одамларга нисбатан ғамхўр бўлиш, ғамхўрлик билан қараш.

БЕРЕ́ЖОК *м, р.* **-жка́** *уменьш. -ласк. от* **бе́рег** 1.

БЕРЁЗА *ж* қайин, тўс; **каре́льская** ~ карел қайини (ёғочи қимматли қайин).

БЕРЁЗКА *ж, р. мн.* **-зок** *уменьш. -ласк. от* **берёза**.

БЕРЕЗНЯ́К *м, р.* **-а́** *собир.* қайинзор.

БЕРЁЗОВИК *м* берёзовик (қайинзор қўзиқорини).

БЕРЁЗОВ/ЫЙ, -ая, -ое қайин дарахтига ёки ёғочига оид; қайин...; ~**ый лист** қайин япроғи; ~**ые до́ски** қайин тахта; ~**ая ро́ща** қайинзор; ✦ ~**ая ка́ша** *уст.* дарра, хипчин, калтак.

БЕРЕ́ЙТОР *м спец.* берейтор, сайс (отни минишга ўргатувчи ва чавандозликдан таълим берувчи мутахассис).

БЕРЕ́ЙТОРСКИЙ, -ая, -ое берейторларга оид; берейтор(лар)...

БЕРЕ́МЕНЕТЬ *несов.* (*сов.* **забере́менеть**) ҳомиладор бўлмоқ, бўйида бўлмоқ.

БЕРЕ́МЕННАЯ 1 ҳомиладор, бўйида бор; бўғоз; 2 *в знач. сущ.* ~ *ж* ҳомиладор хотин.

БЕРЕ́МЕННОСТЬ *ж* ҳомиладорлик; бўғозлик.

БЕРЕ́СТ/А *ж* қайин пўстлоғи, пўсти; **драть** ~**у** қайин пўстлоғини шилмоқ.

БЕРЕ́СТОВЫЙ, -ая, -ое қайин пўстлоғидан қилинган; ~**ая корзи́ночка** қайин пўстлоғидан қилинган (тўқилган) саватча.

БЕРЕСТЯ́Н/ОЙ, -а́я, -о́е қайин пўстлоғига оид; ~**ые гра́моты** қайин пўстлоғига ёзилган қадимги рус ёзувлари.

БЕРЕ́Т *м* берет; **де́тский** ~ болалар берети.

БЕРЕ́ЧЬ, -егу́, -ежёшь, -егу́т; -ёг, -егла́ *несов.* 1 *кого-что* эҳтиёт қилмоқ, асрамоқ, сақламоқ; ~ **семе́йные рели́квии** оилавий ёдгорликларни сақламоқ; 2 *что* тежамоқ, тежаб-тергамоқ, эҳтиёт қилмоқ; ~ **ка́ждую копе́йку** ҳар бир тийинни тежамоқ; ~ **вре́мя** вақтни тежамоқ; 3 *что* сақламоқ, пинҳон тутмоқ; ~ **та́йну** сир сақламоқ, сир тутмоқ; 4 *кого-что* аямоқ, авайламоқ, авайлаб сақламоқ, эҳтиёт қилмоқ, қўриқламоқ; ~ **наро́дное добро́** халқ бойлигини сақламоқ; (қўриқламоқ); ~ **своё здоро́вье** ўз саломатлигини сақламоқ; **он не бережёт себя́** у ўзини аямайди; ✦ ~ **как зени́цу о́ка** кўз қорачиғидай сақламоқ, муқаддас тутмоқ.

БЕРЕ́ЧЬСЯ, -егу́сь, -ежёшься, -егу́тся; -ёгся, -егла́сь *несов.* 1 *кого-чего* эҳтиёт бўлмоқ, ўзини эҳтиёт қилмоқ (сақламоқ); сақланмоқ; ~ **просту́ды** шамоллашдан сақланмоқ; ~ **воро́в** ўғридан эҳтиёт бўлмоқ; **берегись!** пўшт!, қоч!, эҳтиёт бўл!; 2 *страд. от* **бере́чь**.

БЕ́РИ-БЕ́РИ *ж нескл.* бери-бери (B_1 витамини етишмаслиги натижасидаги касаллик, авитаминоз).

БЕРИ́ЛЛ *м* берилл (минерал; унинг баъзи шаффоф турлари, мас., аквамарин, зумрад қимматбаҳо тошлардир).

БЕРИ́ЛЛИЙ *м* бериллий (химиявий элемент, кул ранг енгил металл).

БЕРКЕ́ЛИЙ и **БЕ́РКЛИЙ** *м* беркелий (радиоактив элемент).

БЕ́РКОВЕЦ *м, р.* **-вца** берковец (10 пудга тенг қадимий рус оғирлик ўлчови).

БЕ́РКУТ *м* бургут.

БЕРЛО́ГА *ж* 1 айиқ ини; 2 *перен. разг. шутл.* уй, кулба.

БЕРЛО́ЖНЫЙ, -ая, -ое айиқ инига оид, айиқ ини...

БЕРТОЛЕ́ТОВ: ~**а соль** *хим.* Бертоле тузи.

БЁРЦЕ и **БЕРЦО** *с, мн.* **бёрца**, *р. мн.* **бёрец** болдир, илик.

БЕРЦО́В/ЫЙ, -ая, -ое болдирга, иликка оид; болдир..., илик..., ~**ые ко́сти** илик суяги; **больша́я** ~**ая кость** катта болдир суяги; **ма́лая** ~**ая кость** кичик болдир суяги.

БЕС *м* 1 жин, ажина; 2 *брак.* шайтон; ✦ **ме́лким бе́сом рассы́паться** (или **верте́ться** и т. п.) *перед кем разг.* хушомадгўйлик қилмоқ, сояснига кўрпача солмоқ; **седина́ в бо́роду, а** ~ **в ребро́** *погов.* қариб қуйилмаган, ачиб суйилмаган; ~ **попу́тал** *разг.* шайтон йўлдан оздирди, жин урди.

БЕС- *см.* **без-**.

БЕСЕ́Д/А *ж* 1 суҳбат, гуруғ, мусоҳаба: **дру́жеская** ~**а** дўстона суҳбат; **оживлённая** ~**а** жонли суҳбат, қизғин суҳбат; 2 суҳбат (бирор мавзуда тингловчиларнинг актив иштирокида ўтказиладиган мусоҳаба); **провести́** ~ **у с избира́телями** сайловчилар билан суҳбат ўтказмоқ; 3 фикр алмашинув, суҳбат; ~**а корреспонде́нта газе́ты с главо́й делега́ции** газета мухбирининг делегация бошлиги билан суҳбати.

БЕСЕ́ДКА *ж. р. мн.* **-док** шийпонча.

БЕСЕ́ДОВАТЬ *несов. с кем* суҳбатлашмоқ, мусоҳаба қилмоқ, сўзлашиб ўтирмоқ, ҳангомалашмоқ, гуруғлашмоқ.

БЕСЁНОК *м, р.* **-нка**, *мн.* **бесеня́та** 1 *уменьш. от* **бес**; 2 шўх бола, шумтака, тирранча, жиңқарча, шайтон.

БЕСИ́ТЬ, бешу́, бе́сишь *несов.* (*сов.* **взбеси́ть**) *кого-что разг.* қаттиқ жаҳлини чиқармоқ, аччиғини, ғазабини келтирмоқ, қонини қайнатмоқ.

БЕСИ́/ТЬСЯ, бешу́сь, бе́сишься *несов.* 1 (*сов.* **взбеси́ться**) қутурмоқ (ҳайвонлар ҳақида); 2 (*сов.* **взбеси́ться**) *перен.* қаттиқ ғазабланмоқ, аччиқланмоқ; ғазабга минмоқ, қутурмоқ; 3 *перен. прост.* шўхлик қилмоқ, тўполон қилмоқ; **де́ти** ~**лись весь ве́чер** болалар бутун кеч тўполон қилишди; ✦ **с жи́ру** ~**ться** *прост.* қутуриб кетмоқ, тўқликдан шўхлик қилмоқ.

БЕСКЛА́ССОВ/ЫЙ, -ая, -ое синфсиз, синфлар бўлмаган ёки битирилган; ~**ое о́бщество** синфсиз жамият.

БЕСКОЗЫ́РКА *ж, р. мн.* **-рок** соябонсиз шапка; **матро́сская** ~ матroслар шапкаси.

БЕСКОЗЫ́РН/ЫЙ, -ая, -ое кўзирсиз; ~**ая игра́** кўзирсиз ўйин (карта ўйинининг бир тури).

БЕСКОМПРОМИ́ССНО *нареч.* муросасиз, келишувчиликка йўл қўймай; ~ **осуди́ть беспринци́пность** принципсизликни муросасиз қораламоқ.

БЕСКОМПРОМИ́ССНОСТЬ *ж* муросасизлик, келишувчиликка йўл қўймаслик; ~ **в реше́нии принципиа́льных вопро́сов** принципиал масалаларни ҳал қилишда муросасизлик.

БЕСКОМПРОМИ́ССН/ЫЙ, -ая, -ое келиштириб (муросага келтириб) бўлмайдиган; келишувчиликка йўл қўймайдиган; муросасиз; ~**ая борьба́** муросасиз кураш.

БЕСКОНДУКТО́РН/ЫЙ, -ая, -ое кондукторсиз; ~**ое обслу́живание пассажи́ров** пассажирларга кондукторсиз хизмат қилиш.

БЕСКОНЕ́ЧНО *нареч.* чексиз равишда, бениҳоя, беҳад, ортиқ даражада; ~ **люби́ть** ортиқ даражада севмоқ; ~ **ма́лая величина́** *мат.* чексиз кичик миқдор (катталик).

www.ziyouz.com kutubxonasi

БЕСКОНЕ́ЧНОСТЬ *ж* 1 чек-и (охир-поёни) йўқлик, чексизлик, поёнсизлик; ~ь **мирово́го простра́нства** олам фазосининг чексизлиги; 2 узунлик, узоқлик, поёнсизлик, кети йўқлик; ~ь **перегово́ров** музокараларнинг узоқлиги (узоққа чўзилиши, чўзилганлиги); 3 *мат.* чексизлик, чексиз сон, миқдор, катталик; ✦ **до ~и** 1) ҳаддан ташқари узоқ, жуда узоқ, чексиз; **спо́рить до ~и** узоқ баҳслашмоқ; олам тугагунча баҳслашавермоқ; 2) ортиқ даражада, жуда ҳам; **опроти́веть до ~и** ортиқ бездирмоқ, жуда ҳам кўнгилга урмоқ.

БЕСКОНЕ́ЧН/ЫЙ, **-ая**, **-ое**; **-чен**, **-чна** 1 чеки (охир-поёни) йўқ, чексиз, бепоён; ~**ое простра́нство** чексиз фазо; **вре́мя и простра́нство** ~**ы** вақт ва фазо чексиздир; вақт билан фазонинг чеки (охир-поёни) йўқ; 2 узун, узоқ, кети узилмайдиган, тугамайдиган, узлуксиз, битмас-туганмас; тез-тез бўлиб турадиган; ~**ые разъе́зды** узлуксиз сафар (юришлар); ~**ые хло́поты** битмас-туганмас ташвиш-ҳаракат; 3 ортиқ даражадаги, ҳаддан ташқари, бениҳоя, беҳад, чексиз; ~**ая любо́вь** чексиз муҳаббат; ~**ая не́жность** ҳаддан ташқари мулойимлик, нозиклик; ортиқ даражадаги меҳрибонлик; ✦ ~ **ый винт** *тех.* охири йўқ винт (Архимед винти); ~**ая десяти́чная дробь** *мат.* чексиз ўнли каср.

БЕСКОНТРО́ЛЬНО *нареч.* назорат остига олмасдан (олинмасдан), назоратсиз, контролсиз; ~ **расхо́довать сре́дства** маблағларни назоратсиз (беҳисоб-бекитоб) сарф қилмоқ.

БЕСКОНТРО́ЛЬНОСТЬ *ж* назоратнинг (контролнинг) йўқлиги, контролсизлик, назоратсизлик; ~ **де́йствий** иш, фаолиятнинг назоратсизлиги.

БЕСКОНТРО́ЛЬН/ЫЙ, **-ая**, **-ое**, **-лен**, **-льна** назоратсиз, контролсиз, тергалмайдиган, ҳеч ким тергамайдиган; ~**ое по́льзование** *чем-л.* бирор нарсадан контролсиз (беҳисоб-бекитоб) фойдаланиш.

БЕСКОНФЛИ́КТНОСТЬ *ж книжн.* конфликтсизлик, конфликт (низо, ихтилоф тўқнаниш ва ш. к.) йўқлиги.

БЕСКОНФЛИ́КТН/ЫЙ, **-ая**, **-ое**; **-тен**, **-тна** конфликтсиз, конфликт (низо, ихтилоф, тўқнашиш ва ш. к.) йўқ.

БЕСКО́РМИЦА *ж* ют, ем-хашак қаҳатчилиги, ем-хашак бўлмай молларнинг оч қолиши.

БЕСКОРЫСТИ́Е *с* ўз манфаатини кўзламай иш қилиш, беғаразлик, холислик, тамасизлик.

БЕСКОРЫ́СТНО *нареч.* ўз манфаатини кўзламай, тама қилмай, беғараз, холисона; ~ **помога́ть** *кому-л.* беғараз (холисона) ёрдам кўрсатмоқ.

БЕСКОРЫ́СТНОСТЬ *ж* беғаразлик, холислик, тамасизлик.

БЕСКОРЫ́СТН/ЫЙ, **-ая**, **-ое**; **-тен**, **-тна** ўз манфаатини кўзламайдиган; тама қилмайдиган, беғараз, холис; ~**ый челове́к** холис киши, беғараз одам; ~**ая по́мощь** беғараз ёрдам, холисона ёрдам.

БЕСКО́СТНЫЙ, **-ая**, **-ое** суяксиз, қилтаноқсиз, бесуяк, лаққа.

БЕСКРА́ЙНИ/Й, **-яя**, **-ее** охир-поёни кўринмайдиган, бепоён; ~**е просто́ры поле́й** бепоён далалар.

БЕСКРИЗИСН/ЫЙ, **-ая**, **-ое** кризиссиз, кризисни билмайдиган, кризисга учрамайдиган; кризислардан холи; ~**ая социалисти́ческая экономи́ка** кризисни билмайдиган социалистик экономика; ~**ое разви́тие** кризиссиз тараққиёт.

БЕСКРО́ВН/ЫЙ I, **-ая**, **-ое**; **-вен**, **-вна** 1 қонсиз, қони кам, қони қочган, бўзарган, қути йўқ (ўчган); ~**ые гу́бы** бўзарган лаблар; 2 қон тўкмасдан қилинадиган, қон тўкилмай эришиладиган; ~**ая побе́да** қон тўкмасдан эришилган ғалаба.

БЕСКРО́ВНЫ/Й II, **-ая**, **-ое** *уст.* уй-жойсиз, бошпанасиз, беватан; ~**е босяки́** беватан ялангоёқлар.

БЕСКРЫЛ/ЫЙ, **-ая**, **-ое** 1 қанотсиз, қаноти йўқ; қаноти юлинган; ~**ые насеко́мые** қанотсиз ҳашаротлар; ~**ый лета́тельный аппара́т** қанотсиз учиш аппарати; 2 *перен.* парвоз қила олмайдиган, ожиз, заиф, нотавон, бепарвоз; ~**ое воображе́ние** ожиз тасаввур; бепарвоз фараз.

БЕСКУЛЬТУ́РЬЕ *с разг.* маданиятсизлик, қолоқлик, жоҳиллик, жаҳолат; **борьба́ с ~м** маданиятсизликка қарши кураш.

БЕСНОВА́ТЫЙ, **-ая**, **-ое** 1 *уст.* жин урган, телбароқ, тентакроқ, жиннироқ; 2 *разг.* аччиғи тез, жаҳлдор, жаҳлдан ўзини тутолмайдиган.

БЕСНОВА́ТЬСЯ, **-ну́юсь**, **-ну́ешься** ғазабга минмоқ, аччиғига чидолмай қутурмоқ, жиннилик қилмоқ; **отчего́ он беснуётся?** у нимага жиннилик қиляпти?

БЕСО́ВСК/ИЙ, **-ая**, **-ое** жинга оид; жин..., шайтон..., шайтоний; ~**ое наважде́ние** шайтон васвасаси.

БЕСПАЛУБН/ЫЙ, **-ая** **-ое** палубасиз; ~**ое су́дно** палубасиз кема.

БЕСПА́Л/ЫЙ, **-ая**, **-ое** бармоғи (бармоқлари) йўқ, бармоқсиз.

БЕСПА́МЯТНОСТЬ *ж уст.* унутувчанлик, хотираси ёмонлик, хотираси сустлик.

БЕСПА́МЯТНЫЙ, **-ая**, **-ое**; **-тен**, **-тна** *разг.* унутувчан, хотираси ёмон, хотираси суст.

БЕСПА́МЯТСТВ/О *с* 1 беҳушлик, ҳушдан кетиш, эси оғиш, эс-ҳушини йўқотиш; **впасть в ~о** ҳушдан кетмоқ, беҳуш бўлиб қолмоқ;

2 қони қайнаб ўзини йўқотиш, ғазабидан нима қилаётганини билмай қолиш; **уда́рить** *кого-л.* **в ~е** қони қайнаб бировни уриб юбормоқ.

БЕСПАРДО́ННО *нареч. разг.* бетакаллуф, уят-андиша қилиб ўтирмасдан, беандишалик (беорлик) билан, сурбетларча; **вести́ себя́** ~ ўзини сурбетларча тутмоқ, беандишалик (сурбетлик) қилмоқ.

БЕСПАРДО́ННОСТЬ *ж* ориятсизлик, уят-андишани билмаслик, беандишалик, беорлик, сурбетлик.

БЕСПАРДО́НН/ЫЙ, **-ая**, **-ое** *разг.* ориятсиз, уят-андишани билмайдиган, беандиша, беор, сурбет; ~**ое поведе́ние** сурбетлик.

БЕСПА́РТИЙНОСТЬ *ж* партиясизлик, партияга аъзо (партия аъзоси) эмаслик.

БЕСПА́РТИЙН/ЫЙ, **-ая**, **-ое** 1 партиясиз, партияга аъзо (партия аъзоси) бўлмаган; ~**ый рабо́тник** партиясиз ходим; 2 *в знач. сущ.* ~**ый** *м* партиясиз киши; ~**ая** *ж* партиясиз аёл; **блок коммуни́стов и ~ых** коммунистлар билан партиясизлар блоки.

БЕСПАРУСН/ЫЙ, **-ая**, **-ое** елкансиз, паруссиз; ~**ая шлю́пка** елкансиз шлюпка (қайиқ).

БЕСПАСПО́РТНЫЙ, **-ая**, **-ое** паспортсиз, паспорти йўқ.

БЕСПЕРЕБО́ЙНО *нареч.* узлуксиз равишда, кетини узмай, бетўхтов.

БЕСПЕРЕБО́ЙН/ЫЙ, **-ая**, **-ое**; **-о́ен**, **-о́йна** узлуксиз, бетўхтов, кети узилмайдиган, муттасил; ~**ое снабже́ние** бетўхтов (кетини узмай) таъминлаб туриш.

БЕСПЕРЕСА́ДОЧН/ЫЙ, **-ая**, **-ое** ювушмайдиган, тўғри борадиган, пересадкасиз; ~**ое сообще́ние** пересадкасиз (тўғри олиб борадиган) транспорт воситалари; ~**ый по́езд** пересадкасиз (тўғри олиб борадиган) поезд.

БЕСПЕРСПЕКТИ́ВНОСТЬ *ж* истиқболи йўқлик, келажаги номаълумлик.

БЕСПЕРСПЕКТИ́В/НЫЙ, **-ая**, **-ое**; **-вен**, **-вна** истиқболсиз, келажаги (истиқболи) йўқ, оқибати номаълум; э́тот план ~**ен** бу планнинг истиқболи йўқ.

БЕСПЕЧА́ЛЬНО *нареч.* ғам-ташвиш қилмай, қайғурмай, беғам; ғам-ташвишсиз; ~ **жить** ғам-ташвишсиз яшамоқ.

БЕСПЕЧА́ЛЬН/ЫЙ, **-ая**, **-ое**; **-лен**, **-льна** ғам-ташвишсиз, қайғусиз, беғам; ~**ая жизнь** беғам, беташвиш яшаш; ғам-ташвишсиз ҳаёт.

БЕСПЕ́ЧНО *нареч.* парво қилмай, парвойига келтирмай, бепарво, беғам; парвосизларча; **жить** ~ ҳеч нарсага парво қилмай яшамоқ.

БЕСПЕ́ЧНОСТЬ *ж* бепарволик, беғамлик.

БЕСПЕ́ЧН/ЫЙ, **-ая**, **-ое**; **-чен**, **-чна** парвосиз, бепарво, беғам; ~**ый челове́к** беғам одам; ~**ая жизнь** беғам-беташвиш ҳаёт; ~**ый вид** бепарво кўриниш; ~**ое отноше́ние к де́лу** ишга бепарволарча қараш (муносабат).

БЕСПИЛО́ТНЫЙ, **-ая**, **-ое** учувчисиз; ~ **самолёт** учувчисиз самолёт; самолёт-автомат.

БЕСПИ́СЬМЕННЫЙ, **-ая**, **-ое** ёзувга эга бўлмаган, ёзуви йўқ, ёзувсиз; ~ **язы́к** ёзувсиз тил.

БЕСПЛА́НОВОСТЬ *ж* плансизлик, режасизлик.

www.ziyouz.com kutubxonasi

БЕСПЛА́НОВ/ЫЙ, **-ая**, **-ое** плансиз, планлаштирилмаган, план асосига киритилмаган; **~ая рабо́та** плансиз иш; **~ое хозя́йство** плансиз хўжалик.

БЕСПЛА́ТНО *нареч.* пул олмай (ёки тўламай), бепул, текин, пулсиз; **лечи́ться ~** бепул даволанмоқ; **рабо́тать ~** пул (ҳақ) олмай ишлаш, бепул ишлаш.

БЕСПЛА́ТН/ЫЙ, **-ая**, **-ое**; **-тен**, **-тна** пул олинмайдиган, тўланмайдиган, бепул, текин, пулсиз; **~ая медици́нская по́мощь** бепул медицина ёрдами; **~ое обуче́ние** бепул ўқиш-ўқитиш, бепул таълим олиш; **~ый биле́т** текин билет; **вход в парк ~ый** паркка кириш бепул, паркка бепул кирилади.

БЕСПЛАЦКА́РТНЫЙ, **-ая**, **-ое** плацкартасиз, плацкартаси йўқ; **~ биле́т** плацкартасиз билет; **~ ваго́н** плацкартасиз вагон.

БЕСПЛО́ДИЕ *с* **1** наслсизлик, бола бўлмаслик, туғмаслик, бепуштлик, пуштсизлик; **2** унумсизлик, ҳосилсизлик, ориқлик (ер ҳақида).

БЕСПЛО́ДНО *нареч.* самарасиз, беҳуда(га), бекор(га), фойдасиз.

БЕСПЛО́ДНОСТЬ *ж* **1** *то же, что* **бесплО́дие**; **2** самарасизлик, фойдасизлик, натижасизлик, беҳудалик; **~ попы́ток** уринишларнинг фойдасизлиги.

БЕСПЛО́ДН/ЫЙ, **-ая**, **-ое**; **-ден**, **-дна** **1** наслсиз, бола туғмайдиган, зурриёт қолдирмайдиган, бепушт; **~ый брак** зурриёт қолдирмайдиган эр-хотинлик; **2** унумсиз, ҳосилсиз, ориқ; **~ая земля́** унумсиз ер, ориқ ер; **3** *перен.* самарасиз, фойдасиз, бекор, беҳуда, натижасиз; **~ые уси́лия** беҳуда ҳаракат, бефойда уриниш.

БЕСПЛО́ТНЫЙ, **-ая**, **-ое**; **-тен**, **-тна** *книжн.* танасиз, жисмсиз, тандан ташқари; **~ дух** танасиз (тандан ташқари) руҳ.

БЕСПОВОРО́ТНО *нареч.* узил-кесил, қатъиян, тамомила; **реши́ть ~** узил-кесил қарор (ёки ҳал) қилмоқ.

БЕСПОВОРО́ТНОСТЬ *ж* узил-кесиллик, қатъийлик.

БЕСПОВОРО́ТН/ЫЙ, **-ая**, **-ое**; **-тен**, **-тна** узил-кесил қабул қилинган, қайтилмайдиган, қатъи, узил-кесил; **~ое реше́ние** қатъий қарор; узил-кесил ҳукм.

БЕСПОДО́БНО *нареч. разг.* ҳеч ким тенглаша олмайдиган қилиб, ўхшатиб, қойил-мақом қилиб.

БЕСПОДО́БНЫЙ, **-ая**, **-ое**; **-бен**, **-бна** *разг.* мислсиз, тенгсиз, тенги йўқ, беназир, ҳеч ким олдига тушолмайдиган; **~ го́лос** мислсиз яхши овоз.

БЕСПОЗВОНО́ЧНЫ/Й, **-ая**, **-ое** **1** умуртқасиз, умуртқаси йўқ; **~е живо́тные** умуртқасиз ҳайвонлар; **2** *в знач. сущ.* **~е** *мн. зоол.* умуртқасизлар.

БЕСПОКО́И/ТЬ *несов. кого-что* **1** безовта қилмоқ, уринтирмоқ, тинчини (оромини) бузмоқ, овора қилмоқ; **~ть про́сьбами** илтимослар билан безовта қилмоқ; **2** озор бермоқ, ранжитмоқ, койитмоқ; қийнамоқ, безовта қилмоқ; **больно́го ~ т шум** беморни шовқин безовта қилаётир: **ребёнка ~т ка́шель** болани йўтал қийнаяпти; **3** хавотирлантирмоқ, безовта қилмоқ, ташвишга солмоқ; **затяну́вшийся ремо́нт кварти́ры ~т нас** квартира ремонтининг чўзилиши бизни ташвишга соляпти.

БЕСПОКО́/ИТЬСЯ *несов.* **1** безовта бўлмоқ, хавотир бўлмоқ, қайғурмоқ, ғам емоқ; **~иться о де́тях** болалар ҳақида қайғурмоқ; болалардан хавотир олмоқ; **обо́ мне не ~йтесь** мендан хавотир бўлманг; **2** овора бўлмоқ, безовта бўлмоқ, уринмоқ; **не ~йтесь, я сам всё сде́лаю** сиз овора бўлманг (уринманг), ҳаммасини мен ўзим қиламан.

БЕСПОКО́ЙНО *нареч.* **1** тинчини ололмай, безовта бўлиб, нотинч, бетинч; **~ спать** нотинч ухламоқ; **2** *безл. в знач. сказ.* нотинч, алғов-далғов; **в го́роде ~** шаҳар нотинч, шаҳарда алғов-далғов.

БЕСПОКО́ЙН/ЫЙ, **-ая**, **-ое**; **-о́ен**, **-о́йна** **1** тиниб-тинчимаган, питир-питир, жонсарак; куйди-пишти; **~ый больно́й** жонсарак бемор; **2** ташвишга соладиган, ташвишли, ғалвали, серташвиш, сергалва; **~ая слу́жба** серташвиш хизмат; **3** ташвишли, хавотирли, бетинч, нотинч; беором; **~ый сон** нотинч уйқу; **~ое вре́мя** ташвишли вақт, нотинч вақт, алғов-далғов замон.

БЕСПОКО́ЙСТВО *с* **1** нотинчлик, хавотирлик, жонсараклик, безовталик, ташвиш, таҳлика; **испы́тывать ~** хавотир бўлмоқ, ташвишланмоқ; **ожида́ть с ~м** хавотирлик билан кутмоқ; **2** безовталик, оворагарчилик, уриниш; **причиня́ть ~** овора қилмоқ, безовта қилмоқ; уринтирмоқ; **прости́те за ~!** овора (безовта) қилганим учун кечирасиз!

БЕСПОЛЕ́ЗНО *нареч.* **1** бекорга, бекор, беҳуда, фойдасиз; **~ говори́ть об э́том** бу ҳақда гапиришнинг фойдаси йўқ; **2** *в знач. сказ.* фойдаси йўқ, нима фойдаси бор; **мы ему́ ска́жем об э́том?— Бесполе́зно!** буни биз унга айтамиз?— Фойдаси йўқ.

БЕСПОЛЕ́ЗНОСТЬ *ж* фойдасизлик, бефойдалик, беҳудалик.

БЕСПОЛЕ́ЗНЫ/Й, **-ая**, **-ое**; **-зен**, **-зна** фойда бермайдиган, бефойда, фойдасиз, фойдаси (нафи) йўқ, беҳуда, бекорчи; **~е страда́ния** беҳуда уринишлар.

БЕСПО́Л/ЫЙ, **-ая**, **-ое** эркак ёки урғочилик аломати йўқ, жинссиз; ✦ **~ое размноже́ние** *биол.* ғайрижинсий урчиш, бўлиниб урчиш.

БЕСПОМЕ́СТНЫЙ, **-ая**, **-ое** *ист.* ер-мулксиз, беамлок; **~ дворяни́н** ер-мулксиз дворян.

БЕСПО́МОЩНО *нареч.* ожизона, ночор аҳволда; чорночор.

БЕСПО́МОЩНОСТЬ *ж* ожизлик, ночорлик, нотавонлик; **меня́ удивля́ет его́ ~** унинг ожизлиги (нотавонлиги) мени ҳайратга солади.

БЕСПО́МОЩ/НЫЙ, **-ая**, **-ое**, **-щен**, **-щна** **1** қўлидан ҳеч нарса келмайдиган, ўзини эплай олмайдиган, ожиз, ночор, нотавон; **больно́й ~ен** бемор ўзини эплай олмайди, бемор жуда ожиз; **~ное созда́ние** нотавон банда; **~ное состоя́ние** ночор аҳвол; **2** *перен.* кучсиз, бўш, нўноқ; **~ные стихи́** бўш шеър.

БЕСПОРО́ДН/ЫЙ, **-ая**, **-ое**; **-ден**, **-дна** насли, зоти паст, жайдари, хашаки; **~ая ло́шадь** жайдари от.

БЕСПОРО́ЧНОСТЬ бенуқсонлик, ҳалоллик, поклик, тўғрилик.

БЕСПОРО́ЧН/ЫЙ, **-ая**, **-ое**; **-чен**, **-чна** бенуқсон, ҳалол, пок, тўғри; **~ая слу́жба** ҳалол хизмат.

БЕСПО́РЯД/ОК *м, р.* **-дка** **1** тартибсизлик, бетартиблик, айқаш-уйқашлик, тўс-тўполон; **в ко́мнате ~ок** уй тартибсиз бўлиб кетибди, уй билиқсиб ётибди; уй тўс-тўполон; **отступа́ть в ~ке** тартибсиз равишда чекинмоқ; тумтарақай бўлиб қочмоқ; **2** *мн.* **~ки** *уст.* тартибсизлик, ғалаён, қўзғолон; **студе́нческие ~ки** студентларнинг ғалаёнлари.

БЕСПОРЯДОЧНО *нареч.* тартибсиз ҳолда (равишда); айқаш-уйқаш; палапартиш.

БЕСПОРЯДОЧНОСТЬ *ж* тартибсизлик, бетартиблик.

БЕСПОРЯДОЧН/ЫЙ, **-ая**, **-ое**; **-чен**, **-чна** **1** тартибсиз, бетартиб, айқаш-уйқаш; **~ая гру́да** айқаш-уйқаш уюм; **2** бетартиб, системасиз, бош-кети йўқ, палапартиш; **~ые за́писи ле́кций** лекцияларнинг системасиз (палапартиш) ёзуви; **~ая стрельба́** палапартиш отишма; **3** тартибсиз, интизомсиз; **~ый челове́к** тартибсиз одам.

БЕСПОСА́ДОЧНЫЙ, **-ая**, **-ое** қўнмайдиган, қўнмай ўтадиган; **~ перелёт** қўнмай, тўғри учиб ўтиш (бориш).

БЕСПО́ЧВЕННОСТЬ *ж* асоссизлик, таги пучлик; **~ сужде́ний** мулоҳазаларнинг асоссизлиги, пучлиги.

БЕСПО́ЧВЕНН/ЫЙ, **-ая**, **-ое** асоссиз, таги пуч; **~ое утвержде́ние** асоссиз (таги пуч) даъво.

БЕСПО́ШЛИННО *нареч.* пошлина тўламай (олмай); пошлинадан озод ҳолда, пошлинасиз; божсиз, бебож; **торгова́ть ~** пошлина (бож) тўламай (олмай) савдо қилмоқ.

БЕСПО́ШЛИННЫЙ, **-ая**, **-ое** пошлина тўланмайдиган (олинмайдиган), пошлинасиз, божсиз; **~ ввоз това́ров** пошлинасиз товар олиб кириш, божсиз товар келтириш.

БЕСПОЩА́ДНО *нареч.* аямай, раҳм қилмай, омон бермай, шафқатсизлик билан.

БЕСПОЩА́ДНОСТЬ *ж* аямаслик, бераҳмлик, шафқатсизлик; **~ к врага́м** душманларга шафқатсизлик.

БЕСПОЩА́ДНЫЙ, **-ая**, **-ое**; **-день** **-дна** **1** шафқат қилмайдиган, омон бермайдиган, раҳмсиз, шафқатсиз, бераҳм; бешафқат; **~ый враг** шафқатсиз душман; **~ая спра́ва** бешафқат жазолаш; **2** аёвсиз, муросасиз; **~ая сати́ра** аёвсиз сатира, аёвсиз ҳажвия; **~ая кри́тика недоста́тков** камчиликларни аёвсиз танқид қилиш.

www.ziyouz.com kutubxonasi

БЕСПРА́ВИЕ *с* ҳақсизлик, ҳуқуқсизлик.

БЕСПРА́ВНОСТЬ *ж* ҳақсизлик, ҳуқуқсизлик.

БЕСПРА́ВН/ЫЙ, -ая, -ое; -вен, -вна ҳақсиз ҳуқуқсиз, ҳақ-ҳуқуқдан маҳрум қилинган; **~ое положе́ние** ҳақ-ҳуқуқдан маҳрумлик.

БЕСПРЕДЕ́ЛЬНО *нареч.* чексиз, чегарасиз, бениҳоя, бепоён, беҳад; **я ~ сча́стлив** мен беҳад хурсандман.

БЕСПРЕДЕ́ЛЬНОСТЬ *ж* чексизлик, чегарасизлик, ҳадсизлик, бепоёнлик.

БЕСПРЕДЕ́ЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое; -лен, -льна 1 чеки, чегараси йўқ, чексиз, чегарасиз, бепоён; **~ое простра́нство** бепоён фазо; 2 чексиз, бениҳоя; **~ая любо́вь** чексиз муҳаббат.

БЕСПРЕДМЕ́ТНОСТЬ *ж* бемақсадлик, қуруқлик, бемазалик.

БЕСПРЕДМЕ́ТНЫЙ, -ая -ое; -тен, -тна маълум мақсадга қаратилмаган; бемақсад, мақсадсиз, қуруқ; **~ спор** мақсадсиз тортишув, қуруқ баҳс.

БЕСПРЕКОСЛО́ВНО *нареч.* сўзсиз, эътирозсиз, гап қайтармай, қаршилик кўрсатмай, қаршиликсиз; **~ повинова́ться** сўзсиз итоат қилмоқ, сўзсиз бўйсунмоқ.

БЕСПРЕКОСЛО́ВНОСТЬ *ж* эътирозсизлик, гап қайтармаслик, эътироз кўрсатмаслик.

БЕСПРЕКОСЛО́ВНЫЙ, -ая, -ое; -вен, -вна сўзсиз, эътироз билдирмай (гап қайтармай) бажариладиган; **~ое подчине́ние** сўзсиз итоат этиш, сўзсиз бўйсуниш; **~ое исполне́ние прика́за** буйруқни сўзсиз бажариш; буйруқнинг сўзсиз бажарилиши.

БЕСПРЕ́МЕННО *нареч. прост.* и *обл.* албатта, сўзсиз.

БЕСПРЕПЯ́ТСТВЕННО *нареч.* қаршиликка учрамай; қаршилик кўрсатмай; қаршиликсиз, монесиз, қийинчиликсиз, эркин, бемалол.

БЕСПРЕПЯ́ТСТВЕННОСТЬ *ж* қаршиликсизлик, монесизлик, бемалоллик.

БЕСПРЕПЯ́ТСТВЕННЫЙ, -ая, -ое қаршиликсиз, монесиз, ҳеч қандай тўсқинлик (монелик) йўқ, эркин, бемалол; **~ вход** бемалол кириш.

БЕСПРЕРЫ́ВНО *нареч.* тўхтовсиз равишда, тўхтовсиз, бетўхтов, узлуксиз, сурункасига, муттасил, тинмай; **~ греме́л гром** тинимсиз момақалдироқ гулдирарди.

БЕСПРЕРЫ́ВНОСТЬ *ж* узлуксизлик, тўхтовсизлик, муттасиллик.

БЕСПРЕРЫ́ВНЫЙ, -ая, -ое; -вен, -вна кети узилмайдиган, узлуксиз, тўхтовсиз, муттасил; **~ дождь** тўхтовсиз ёмғир, муттасил ёққан ёмғир.

БЕСПРЕСТА́ННО *нареч.* тўхтамасдан, тинмасдан, узлуксиз; **~ повторя́ть одно́ и то же** айни бир гапни ҳадеб қайтаравермоқ, бир нарсани тинмай такрорламоқ.

БЕСПРЕСТА́ННЫ/Й, -ая, -ое; -нен, -нна тинмайдиган, тўхтамайдиган, тўхтовсиз, бетиним, доимий; **~ й дождь** тинимсиз ёмғир; **~е напа́дки** доимий таъна-тазаррулар, маломатлар.

БЕСПРЕЦЕДЕ́НТНЫЙ, -ая, -ое; -тен, -тна *книжн.* ҳеч кўрилмаган, мисли йўқ, тенги йўқ, мислсиз; **~ слу́чай** мислсиз ҳодиса.

БЕСПРИБЫЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое; -лен, -льна фойда бермайдиган, фойда келтирмайдиган, фойдасиз; **~ое предприя́тие** фойда бермайдиган (келтирмайдиган) корхона (ёки иш).

БЕСПРИВЯЗН/ЫЙ, -ая, -ое *спец.* яйдоқ, эркин, боғмай; **~ое содержа́ние скота́** молни яйдоқ боқиш.

БЕСПРИДА́ННИЦА *ж* сепсиз қиз, моли йўқ қиз.

БЕСПРИЗО́РНИК *м* боқимсиз бола, қаровчисиз (кўчада қолган) бола.

БЕСПРИЗО́РНИЦА *ж см.* **беспризо́рник.**

БЕСПРИЗО́РНИЧАТЬ *несов. разг.* боқимсизликда ҳаёт кечирмоқ, боқимсиз, кўчада қолиб яшамоқ.

БЕСПРИЗО́РНОСТЬ *ж* боқимсизлик, қаровчисизлик, назоратсиз қолиш.

БЕСПРИЗО́РН/ЫЙ, -ая, -ое; -рен, -рна 1 қаровсиз қолган, назоратсиз, эгасиз, хароб; **~ое хозя́йство** эгасиз (қаровсиз) хўжалик; 2 боқимсиз, уйсиз, бошпанасиз, кўчада қолган; 3 *в знач. сущ.* **~ый** *м* боқимсиз бола.

БЕСПРИМЕ́РНЫЙ, -ая, -ое; -рен, -рна мислсиз, тенгсиз, тенги йўқ, мисли кўрилмаган, беназир; **~ геройзм** мисли кўрилмаган қаҳрамонлик.

БЕСПРИНЦИ́ПНО *нареч.* принципсизларча, принципсизлик билан.

БЕСПРИНЦИ́ПНОСТЬ *ж* принципсизлик, қатъий принципи (мақсад-маслаги) йўқлик, тутуриқсизлик, бетайинлик.

БЕСПРИНЦИ́ПН/ЫЙ, -ая, -ое; -пен, -пна принципсиз, қатъий принципи, маслак-мақсади йўқ, тутуриқсиз, бетайин; **~ый челове́к** принципсиз одам; **~ое реше́ние** принципсиз қарор; тутуриқсиз (бетайин) қарор.

БЕСПРИСТРА́СТИЕ *с* бетарафлик, беғаразлик, одиллик, холислик; ҳаққоният.

БЕСПРИСТРА́СТНО *нареч.* бетарафлик билан, беғараз, холис, одилона, ҳаққоний равишда.

БЕСПРИСТРА́СТНОСТЬ *ж* холислик, бетарафлик, беғаразлик, ҳаққонийат.

БЕСПРИСТРА́СТН/ЫЙ, -ая, -ое; -тен, -тна бетараф, беғараз, одил, холис, ҳаққоний, адолатли; **~ая кри́тика** адолатли танқид; **~ый судья́** одил судья.

БЕСПРИЧИ́ННО *нареч.* ҳеч қандай асос (сабаб, важ) бўлмагани ҳолда, бесабаб, беваж, сабабсиз; ҳе йўқ, бе йўқ.

БЕСПРИЧИ́ННОСТЬ *ж* сабабсизлик, важсизлик, асоссизлик.

БЕСПРИЧИ́Н/НЫЙ, -ая, -ое; -нен, -нна сабабсиз, бесабаб, беваж, асоссиз; **~ный смех** сабабсиз кулги; **его́ гнев ~ен** унинг ғазабланиши асоссиз; унинг ғазабланишига асос йўқ; у бекорга ғазабланяпти.

БЕСПРИЮТН/ЫЙ, -ая, -ое; -тен, -тна ватани, уй-жойи йўқ, ватансиз, уй-жойсиз, бошпанасиз, беватан; **~ый стра́нник** бошпанасиз дарвиш; **~ая степь** бошпана йўқ дашт.

БЕСПРОБУ́ДНО *нареч.* 1 уйғонмай, бош кўтармай, ғафлат босиб, ғафлатда қолиб; **спать ~ два́дцать часо́в** бош кўтармай йигирма соат ухламоқ; 2 бош кўтармай, узлуксиз, тинимсиз; **~ пья́нствовать** бош кўтармай ичмоқ.

БЕСПРОБУ́ДН/ЫЙ, -ая, -ое; -ден, -дна 1 бош кўтариб бўлмайдиган, қаттиқ ғафлатдаги; **~ый сон** ғафлат уйқуси; бош кўтариб бўлмайдиган қаттиқ уйқу; 2 *разг.* тинимсиз, бош кўтармайдиган; **~ое пья́нство** бош кўтармай ичиш, тинимсиз ичкиликбозлик; **~ый пья́ница** ичкиликдан бош кўтармайдиган одам; муккасидан кетган пиёниста.

БЕСПРО́ВОЛОЧН/ЫЙ, -ая, -ое симсиз, сими йўқ; **~ая связь** симсиз алоқа, радиоалоқа; **~ый телегра́ф** *уст.* симсиз телеграф (радиотелеграф); **~ая переда́ча эне́ргии** симсиз энергия узатиш.

БЕСПРО́ИГРЫШН/ЫЙ, -ая, -ое ютқизиқсиз, ютуқ чиқмай қолмайдиган; **~ая лотере́я** ютқизиқсиз лотерея.

БЕСПРОСВЕ́ТН/ЫЙ, -ая, -ое; -тен, -тна 1 қоп-қоронғи, тим-қоронғи, зим-зиё, зулмат; **~ая ночь** зим-зиё тун; 2 *перен.* рўшнолик йўқ, нажотсиз; чексиз; **~ая жизнь** рўшнолик йўқ ҳаёт; **~ая тоска́** чексиз ғам-андуҳ; **~ая нужда́** нажотсиз муҳтожлик, қутулиб бўлмайдиган муҳтожлик.

БЕСПРОСЫ́ПНЫЙ, -ая, -ое *разг. то же, что* **беспробу́дный.**

БЕСПРОЦЕ́НТН/ЫЙ, -ая, -ое процентсиз, процент олинмайдиган (тўланмайдиган); **~ый заём** процентсиз заём; **~ая ссу́да** процентсиз қарз.

БЕСПУ́ТНИК *м уст.* ахлоқсиз (ахлоқи бузуқ) одам, суюқоёқ, саёқ, фосиқ.

БЕСПУ́ТНИЦА *ж уст. см.* **беспу́тник.**

БЕСПУ́ТНИЧАТЬ *несов. разг.* бузуқлик қилмоқ, саёқ юрмоқ.

БЕСПУ́ТНЫЙ, -ая, -ое; -тен, -тна ахлоқи бузуқ, ахлоқсиз, бузуқ, йўлдан озган (тойган), суюқоёқ, саёқ, фосиқ; **~ челове́к** ахлоқи бузуқ одам.

БЕСПУ́ТСТВО *с* ахлоқсизлик, бузуқлик, саёқлик, фосиқлик.

БЕСПУ́ТСТВОВАТЬ *несов.* **ахлоқсизлик (бузуқлик) йўлига кирмоқ, саёқ юрмоқ.**

www.ziyouz.com kutubxonasi

БЕССВЯЗНО *нареч.* гапни гапга қовуштирмай, боғланишсиз, муносабатсиз, пойинтар-сойинтар, пойма-пой.

БЕССВЯЗНОСТЬ *ж* боғланишсизлик, муносабатсизлик, пойинтар-сойинтарлик, пойма-пойлик; ~ **расска́за** ҳикоянинг боғланишсизлиги; ~ **ре́чи** нутқнинг пойма-пойлиги; гапнинг қовушмаганлиги.

БЕССВЯЗНЫЙ,-ая -ое; -зен, -зна боғланмаган, қовушмаган, пойинтар-сойинтар, пойма-пой; ~ **расска́з** пойма-пой ҳикоя; пойинтар-сойинтар баён.

БЕССЕМЕ́ЙНЫЙ, -ая, -ое оиласиз, ёлғиз, сўққабош; бўйдоқ; ~ **челове́к** оиласиз одам, сўққабош одам.

БЕССЕМЕРОВА́НИЕ *с тех.* бессемерлаш, бессемер усули билан пўлат олиш.

БЕССЕМЕ́РОВСК/ИЙ, -ая, -ое: ~**ий проце́сс** бессемер процесси (суюқ чўяндан пўлат олиш усули); ~**ая сталь** бессемер пўлати (бессемерлаш йўли билан ҳосил қилинган пўлат).

БЕССЕМЯ́НКА *ж, р. мн.* **-нок** уруғсиз нок.

БЕССЕМЯ́ННЫ/Й, -ая, -ое уруғсиз, тухумсиз, донсиз; уруғи, дони йўқ; ~**е плоды** уруғсиз мевалар.

БЕССЕРДЕ́ЧИЕ *с то же, что* **бессерде́чность.**

БЕССЕРДЕ́ЧНО *нареч.* бағритошлик билан, раҳмсизларча, шафқат қилмай, бешафқат.

БЕССЕРДЕ́ЧНОСТЬ *ж* бераҳмлик, шафқатсизлик, тошбағирлик.

БЕССЕРДЕ́ЧН/ЫЙ, -ая, -ое; -чен, -чна бағри тош, қаҳри қаттиқ, бераҳм, шафқатсиз; ~**ый челове́к** бағри тош одам, бераҳм одам; ~**ое отноше́ние** *к кому-л.* раҳмсизларча муносабат.

БЕССИ́ЛИЕ *с* **1** беқувватлик, бедармонлик, кучсизлик, дармонсизлик, заифлик; **ста́рческое** ~ қарилик дармонсизлиги, қариган чоғдаги бедармонлик, қариб куч-қувватдан қолиш;

2 ожизлик, ожизлик, ношудлик, шалвирагачлик; **чу́вствовать свое́** ~ ўзининг ожизлигини сезмоқ.

БЕССИ́ЛЬНО *нареч.* бўшашиб, ноилож, ноиложликдан ~ **опусти́ть ру́ки** 1) бўшашиб қўлларни туширмоқ (шалвиратмоқ); 2) ноиложликдан қўл силтамоқ, умидни узмоқ.

БЕССИ́ЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое; -лен, -льна 1 куч-қувватдан қолган, беқувват, бедармон, кучсиз, дармонсиз, заиф, нотавон;

2 ожиз, бўш, ношуд, шалвираган; ноилож; ~**ая зло́ба** иложсиз ғазаб; **медици́на здесь** ~**а** бу ерда медицина ожизлик қилади; **Лёнька почу́вствовал себя́** ~**ым помо́чь ей [де́вочке]** (М. Горький) Лёнька унга (қизга) ёрдам беришдан ожиз эканлигини (ҳеч қандай ёрдам бера олмаслигини) сезди.

БЕССИСТЕ́МНО *нареч.* системасиз равишда, маълум системага риоя қилмай, тартибсиз, бережа, пойма-пой; ~ **излага́ть** *что-л.* системасиз баён қилмоқ.

БЕССИСТЕ́МНОСТЬ *ж* системасизлик, тартибсизлик, режасизлик, пойма-пойлик; ~**в рабо́те** ишнинг системасизлиги, ишдаги системасизлик.

БЕССИСТЕ́МНЫЙ, -ая, -ое; -мен, -мна системасиз, тартибсиз, режаси йўқ, пойма-пой; ~**ое чте́ние** системасиз ўқиш.

БЕССЛА́ВИЕ *с* ёмон ном қолдириш, ёмон отлиқ бўлиш, бадномлик, шармандалик.

БЕССЛА́ВНО *нареч.* бадном (ёмон отлиқ) бўлиб, шармандаларча, шармандалик билан.

БЕССЛА́ВНЫЙ, -ая, -ое; -вен, -вна ёмон ном қолдирган, ёмон отлиқ бўлган; бадном; шармандали, шарманда, шарманда-шармисор; ~ **коне́ц** шармандали (ёки шарафсиз) оқибат; хор-зор бўлиб ўлиш.

БЕССЛЕ́ДНО *нареч.* асар(из) қолдирмай; асари (изи) қолмай, бедарак, дом-дараксиз, беном-нишон; **боле́знь прошла́** ~ касал бирор ёмон асар қолдирмай ўтиб кетди; **пропа́сть** ~ дом-дараксиз йўқолмоқ, бедарак кетмоқ.

БЕССЛЕ́ДН/ЫЙ, -ая, -ое из (асар) қолмаган (қолдирмаган), изсиз, асарсиз, бедарак, дом-дараксиз, беном-нишон; ~**ое исчезнове́ние** дом-дараксиз йўқолиш, беном-нишон йўқ бўлиб кетиш.

БЕССЛОВЕ́СНОСТЬ *ж* **1** тилсизлик; **2** ювошлик, индамаслик, итоаткорлик.

БЕССЛОВЕ́СН/ЫЙ, -ая, -ое; -сен, -сна 1 тилсиз, сўзламайдиган, сўзлай олмайдиган; ~**ое живо́тное** тилсиз ҳайвон; **2** ювош, мўмин, индамас, итоаткор.

БЕССМЕ́ННО *нареч.* алмашинмасдан, ўзгармасдан, овушмай, доимий равишда.

БЕССМЕ́ННОСТЬ *ж* алмашинмаслик, ўзгармаслик, доимийлик.

БЕССМЕ́ННЫ/Й, -ая, -ое алмашинмайдиган, ўзгармайдиган, овушмайдиган, доимий, муттасил; ~**й секрета́рь** доимий секретарь; ~**й часово́й** доимий соқчи; **он был в тече́ние десяти́ лет** ~**м председа́телем колхо́за** у ўн йил давомида муттасил (овушмай) колхозга раислик қилди.

БЕССМЕ́РТИЕ *с* **1** боқийлик, абадийлик, абадий яшашлик; ~ **приро́ды** табиатнинг абадийлиги; **2** *высок.* абадий (мангу) шон-шараф, шуҳрат; абадий унутилмаслик; **стяжа́ть себе́** ~ абадий яшамоқ, абадий шуҳрат топмоқ, абадий шон-шуҳратга эга бўлмоқ.

БЕССМЕ́РТНИК *м* бўзноч (ўтсимон ўсимлик).

БЕССМЕ́РТ/НЫЙ, -ая, -ое; -тен, -тна 1 абадий яшайдиган, ўлмайдиган, боқий, ўлмас; **наро́д** ~**ен** халқ абадий, халқ ўлмасдир; **2** *высок.* ўлмас, унутилмас, абадий (мангу) қоладиган, абадий яшайдиган, умри боқий; ~**ная сла́ва** абадий шон-шараф; ~**ный по́двиг** унутилмас жасорат.

БЕССМЫСЛЕННО *нареч.* **1** бирор маъно ифодаламаган ҳолда, маъносиз, бемаъни; **смотре́ть** ~ маъносиз боқмоқ, бўзраймоқ, безраймоқ; **2** *в знач. сказ.* фойдаси йўқ, бефойда, беҳуда; **э́то** ~ бунинг фойдаси йўқ.

БЕССМЫСЛЕНН/ЫЙ, -ая, -ое 1 маъно ифодаламайдиган, маъноси йўқ, маъносиз; мазмунсиз; ~**ый набо́р слов** бемаъни сўзлар йиғиндиси, бемаъни ибора; ~**ый взгляд** маъносиз қараш; **2** ақлдан ташқари, бемаъни, беҳуда, лузумсиз; ~**ая жесто́кость** бемаъни шафқатсизлик; ~**ый смех** бемаъни кулги; **3** ақли (фаҳми) йўқ, ақли кирмаган, бефаҳм; ~ **ребёнок** ақли йўқ (ҳали ақли кирмаган) бола.

БЕССМЫСЛИЕ *с* **1** маъносизлик, тушунмаслик, тушунмасдан анқовсираш; **2** бемаънилик, беҳудалик, фойдасизлик.

БЕССМЫСЛИЦА *ж разг.* маъносиз гап, ақлга тўғри келмайдиган нарса, беҳуда (бўлмағур) иш, аҳмоқлик; **получи́лась** ~ бемаъни нарса келиб чиқди; бемаъни иш бўлди.

БЕССНЕ́ЖН/ЫЙ, -ая, -ое қорсиз, қор йўқ (ёки кам), қор ёғмаган; ~**ая зима́** қорсиз қиш; ~**ые поля́** қорсиз (қор кам) далалар.

БЕССО́ВЕСТНО *нареч.* **1** ор-номусни унутиб, виждонсизларча, уятсизларча, виждонсизлик билан; ~ **обману́ть** виждонсизларча алдамоқ; **2** *разг.* жуда, ғоятда; ~ **ма́ло** ғоятда оз, жуда кам.

БЕССО́ВЕСТНОСТЬ *ж* виждонсизлик, инсофсизлик, уятсизлик, беномуслик.

БЕССО́ВЕСТН/ЫЙ, -ая, -ое; -тен, -тна ор-номусни билмайдиган, виждонсиз, инсофсиз, уятсиз, беномус, ноинсоф; виждонсизларча қилинган; ~**ая ложь** ғирт ёлғон; ~**ый обма́нщик** ор-номусни билмайдиган алдоқчи.

БЕССОДЕРЖА́ТЕЛЬНОСТЬ *ж* мазмунсизлик, маъносизлик, тутуриқсизлик; ~ **докла́да** докладнинг мазмунсизлиги.

БЕССОДЕРЖА́ТЕЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое; -лен, -льна бемаъни, мазмунсиз, маъноси йўқ, суюқ, пуч, саёз; ~**ая кни́га** мазмуни саёз китоб; ~**ая жизнь** бемаъни ҳаёт; ~**ый челове́к** тутуриқсиз одам, бемаъни одам.

БЕССОЗНА́ТЕЛЬНО *нареч.* ғайришуурий ҳолда, онгсиз равишда, тушунмасдан, беихтиёр; **де́йствовать** ~ ғайришуурий ҳаракат қилмоқ.

БЕССОЗНА́ТЕЛЬНОСТЬ *ж* **1** беҳуш ҳолат, ҳушсизлик, беҳушлик, эс-ҳушини йўқотганлик; **2** ғайришуурийлик, беихтиёрлик.

БЕССОЗНА́ТЕЛЬНЫЙ, -ая, -ое; -лен, -льна 1 беҳуш, ҳушидан кетган, эс-ҳуши йўқ, эсини йўқотган; ~**ое состоя́ние** беҳуш ҳолат, ҳушсизлик беҳушлик;

2 ғайришуурий ғайриихтиёрий; англамай (тушунмай) қилинган; ~**ый жест** ғайришуурий имо-ишора, ҳаракат; ~**ый страх** беихтиёр қўрқув.

www.ziyouz.com kutubxonasi

БЕССОЛНЕЧНЫЙ, -ая, -ое қуёшсиз, офтобсиз; қуёш нури (офтоб) тушмаган (ёки тушмайдиган); ~ **день** офтобсиз (булутли) кун.

БЕССОННИЦ/А *ж* уйқусизлик, бедорлик; уйқусизлик касали; **страда́ть ~ей** уйқусизликдан азобланмоқ, уйқусизлик касалига йўлиқмоқ.

БЕССОНН/ЫЙ, -ая, -ое уйқусиз, уйқуси йўқ, уйқуси қочган, бедор; ~**ая ночь** уйқусиз тун, бедор ўтган тун.

БЕССОЮЗН/ЫЙ, -ая, -ое *грам.* боғловчисиз, боғловчиси йўқ; ~**ая связь** боғловчисиз боғланиш.

БЕССПО́РНО *нареч.* 1 тортишмай, шак-шубҳа қилмай; 2 *в знач. вводн. сл.* шубҳасиз, шак-шубҳасиз, аниқ, равшан, албатта.

БЕССПО́РНОСТЬ *ж* шубҳасизлик, муқаррарлик, аниқлик, равшанлик.

БЕССПО́РН/ЫЙ, -ая, -ое, -рен, -рна тортишувга (шак-шубҳага) ўрин қолдирмайдиган, шубҳасиз, аниқ, равшан, шаксиз; ~**ая и́стина** чин ҳақиқат; ~**ый до́вод** шак-шубҳага ўрин қолдирмайдиган далил.

БЕССРЕ́БРЕНИК *м уст.* беғараз одам, тама қилмайдиган ҳалол одам.

БЕССРЕ́БРЕНИЦА *ж уст. см.* **бессре́бреник.**

БЕССРО́ЧНОСТЬ *ж* муддатсизлик, муҳлатсизлик.

БЕССРО́ЧН/ЫЙ, -ая, -ое муддати белгиланмаган, муддатсиз, муҳлатсиз, бемуҳлат; ~**ый па́спорт** муддатсиз паспорт; ~**ый вклад** муддатсиз омонат (муддатини белгиламай қўйилган пул); **земля́ закрепля́ется за колхо́зами на ~ое и беспла́тное по́льзование** ер колхозларга бепул ва муддатсиз фойдаланиш учун биркитиб қўйилади.

БЕССТО́ЧН/ЫЙ, -ая, -ое суви оқиб чиқиб кетмайдиган; оқиб чиқиб кетадиган жойи йўқ, оқмас; ~**ое о́зеро** суви оқиб чиқиб кетмайдиган кўл, турғун (оқмас) кўл.

БЕССТРА́СТИЕ *с* эҳтироссизлик, завқ-шавқсизлик, ҳис-туйғуси ўликлик, бепарволик, совуққонлик, вазминлик.

БЕССТРА́СТНО *нареч.* эҳтиросга берилмай, беэҳтирос, завқ-шавқсиз; бепарволик (совуққонлик, вазминлик) билан; ~ **смотре́ть** завқ-шавқсиз боқмоқ; совуққонлик билан (бепарво) қарамоқ.

БЕССТРА́СТНЫЙ, -ая, -ое; -тен, -тна эҳтироссиз, ҳаяжонсиз, завқ-шавқсиз, ҳис-туйғуси ўлик, совуққон, бепарво; вазмин; ~ **челове́к** эҳтироссиз одам; совуққон одам; ~ **тон** вазмин оҳанг, бепарво оҳанг.

БЕССТРА́ШИЕ *с* қўрқмаслик, дадиллик, ботирлик, довюраклик, мардлик; **прояви́ть** ~ довюраклик қилмоқ, ботирлик кўрсатмоқ.

БЕССТРА́ШНО *нареч.* қўрқмасдан, дадиллик билан, мардларча; тап тортмай; дадил, мардонавор.

БЕССТРА́ШНЫЙ, -ая, -ое; -шен, -шна қўрқмас, дадил, мард, ботир, довюрак; ~ **бое́ц** ботир жангчи.

БЕССТРУКТУРН/ЫЙ, -ая, -ое структурасиз; ~**ая по́чва** структурасиз тупроқ.

БЕССТРУ́НН/ЫЙ, -ая, -ое струнасиз, торсиз, торлари йўқ; ✦ ~**ая балала́йка** *бран.* серғап одам, валдирвасар, вайсақи.

БЕССТЫ́ДНИК *м разг.* уяти йўқ (уятсиз) одам, беномус, беҳаё, шарманда.

БЕССТЫ́ДНИЦА *ж разг. см.* **бесты́дник.**

БЕССТЫ́ДНО *нареч.* уялмасдан, ор-номус қилмай, ҳаёсизлик билан, шармандаларча.

БЕССТЫ́ДН/ЫЙ. -ая, -ое; -ден, -дна 1 уяти (юзи) йўқ; уятсиз, номуссиз, ҳаёсиз, беҳаё, шарманда; ~**ый челове́к** уяти (юзи) йўқ одам; ~**ый лгун** уялишни билмайдиган алдоқчи; қип-қизил ёлғончи; ~**ая ложь** ғирт ёлғон; 2 беадаб, уятсиз, коски; ~**ые слова́** беадаб гаплар.

БЕССТЫДСТВ/О *с* уятсизлик, номуссизлик, ҳаёсизлик, беҳаёлик, юзсизлик; **како́е ~о!** қандай беҳаёлик!; **у него́ хвати́ло ~а обману́ть нас** у бизни алдашга уялмади; у уялмасдан бизни алдади.

БЕССТЫЖИЙ, -ая, -ее *прост. то же, что* **бесты́дный.**

БЕССТЫКОВО́Й, -а́я, -о́е чоксиз, улоқсиз; ~ **путь** улоқсиз темир йўл.

БЕССУБЪЕ́КТН/ЫЙ, -ая, -ое субъектсиз, эгасиз, шахссиз; ✦ ~**ое предложе́ние** *грам. то же, что* **безли́чное предложе́ние**; *см.* **безли́чный.**

БЕССЧЁТН/ЫЙ, -ая, -ое беҳисоб, ҳисобсиз, сон-саноқсиз, беадад; тумонат; ~**ое коли́чество** сон-саноқсиз, жуда кўп.

БЕССЮЖЕ́ТНЫЙ, -ая, -ое сюжетсиз, маълум бир сюжетга эга бўлмаган; ~ **фильм** сюжетсиз фильм.

БЕСТА́КТНО *нареч.* кўполлик билан, одобсизларча, андиша қилмай, кўпол, ножўя, беназокат, бетакаллуф; ~ **вести́ себя́** ўзини ножўя тутмоқ; одобсизлик қилмоқ.

БЕСТА́КТНОСТЬ *ж* 1 кўполлик, беодоблик, андишасизлик, ортиқча бетакаллуфлик, назокатсизлик; ~ **поведе́ния** хулқ-атворнинг кўполлиги; 2 кўпол ҳаракат, ножўя муомала, кўполлик, беандишалик; **соверши́ть** ~ кўполлик қилмоқ; ножўя иш (ҳаракат) қилмоқ.

БЕСТА́КТНЫЙ, -ая, -ое; -тен, -тна одобсиз, беандиша, бетакаллуф, назокатсиз; ножўя; ~ **челове́к** кўпол одам; назокатсиз одам; ~ **посту́пок** ножўя ҳаракат; ~ **вопро́с** ножўя савол.

БЕСТАЛА́ННОСТЬ *ж* истеъдодсизлик, қобилиятсизлик.

БЕСТАЛА́НН/ЫЙ, -ая, -ое; -нен, -нна истеъдодсиз, қобилиятсиз, нўноқ; ~**ый поэ́т** истеъдодсиз шоир; нўноқ шоир; 2 *нар.-поэт.* толеи паст, манглайи қора, бахтсиз, шўр пешана; ~**ая твоя́ голо́вушка!** пешананг шўр экан!

БЕСТАРИ́ФНЫЙ, -ая, -ое тарифсиз.

БЕСТА́РКА *ж, р. мн.* -рок *обл.* и *спец.* қопламасдан юк ташиладиган арава.

БЕСТА́РН/ЫЙ, -ая, -ое тарасиз; қоп-қанорсиз; ~**ая перево́зка хло́пка** пахтани тарасиз (қоп-қанорсиз) ташиш.

БЕСТЕЛЕ́СНЫЙ. -ая, -ое; -сен, -сна жисмсиз, танасиз, гавдасиз.

БЕСТЕНЕВ/О́Й, -а́я, -о́е соясиз, соя туширмайдиган; ~**а́я ла́мпа** соясиз электр лампа.

БЕ́СТИЯ *ж прост.* маккор, фирибгар, муттаҳам, шайтон; ✦ **продувна́я** ~ ўтакетган маккор; учига чиққан фирибгар, муттаҳам.

БЕСТОЛКО́ВО *нареч.* уқувсизлик билан, бош-кети йўқ қилиб, боғланишсиз, телва-тескари; ~ **объясня́ть** *что-л.* яхшилаб тушунтирмаслик, телва-тескари айтиб бериш.

БЕСТОЛКО́ВОСТЬ *ж* уқувсизлик, калтафаҳмлик.

БЕСТОЛКО́ВЩИНА *ж разг. неодобр.* овсарлик, тўпорилик, бемаънилик, тартибсизлик; бош-кети йўқ (иш) гап.

БЕСТОЛКО́ВЫЙ, -ая, -ое 1 уқувсиз, калтафаҳм, овсар, тўпори; ~ **челове́к** калтафаҳм одам; овсар, тўпори, каллаварам; 2 бош-кети йўқ, боғланишсиз, бетартиб, бемаъни, бемаза, телва-тескари; ~ **расска́з** бемаъни ҳикоя; телва-тескари баён.

БЕ́СТОЛОЧЬ *ж разг. неодобр.* 1 *то же, что* **бестолко́вщина**; 2 уқувсиз одам, калтафаҳм, овсар; **что ты за ~ така́я!** мунча ҳам калтафаҳм экансан, ўзинг!; қанақа овсарсан ўзинг!

БЕСТРЕ́ПЕТНО *нареч. высок.* қўрқмасдан, чўчимасдан; ҳаяжонланмасдан, осойишта, дадил.

БЕСТРЕПЕТНЫЙ, -ая, -ое; -тен, -тна 1 *уст. поэт.* титрамайдиган, қалтирамайдиган; ҳаяжонсиз, осойишта; 2 *высок.* қўрқмайдиган, чўчимайдиган, дадил, жасур.

БЕСТСЕ́ЛЛЕР *м* баъзи мамлакатларда: бозоргир (бозори чаққон) китоб.

БЕСФО́РМЕННОСТЬ *ж* шаклсизлик, формасизлик; аниқсизлик, ноаниқлик.

БЕСФО́РМЕНН/ЫЙ, -ая, -ое 1 шаклсиз, формасиз; ~**ая гли́ба** формасиз (шаклсиз) палахса; 2 аниқсиз, ноаниқ.

БЕСХАРА́КТЕРНОСТЬ *ж* иродаси сустлик, бўшлик; лақмалик.

БЕСХАРА́КТЕРНЫЙ. -ая, -ое; -рен, -рна иродасиз, иродаси суст, бўш, бўшанг, лақма; ~ **челове́к** иродаси суст одам; бўшанг одам.

БЕСХВО́СТ/ЫЙ, -ая, -ое қуйруқсиз, думсиз; думи юлуқ; ~**ый пету́х** думи йўқ (думи юлуқ) хўроз; ~**ая соба́ка** думи йўқ (думи кесилган) ит; ✦ ~**ые земново́дные** *зоол.* сувда ва қуруқликда яшайдиган, улғайганда думи йўқолиб кетадиган жониворлар (*мас.*, бақа, қурбақа ва ш. к.).

БЕСХИТРОСТНО *нареч.* соддалик билан, оддийгина қилиб, тўппа-тўғри.

www.ziyouz.com kutubxonasi

БЕСХИ́ТРОСТНЫЙ, -ая, -ое; -тен, -тна 1 қувликни билмайдиган, содда, тўғри; ~ **челове́к** содда одам, тўғри одам; 2 мураккаб ери йўқ, оддий, содда; ~ **расска́з** содда ҳикоя; ~ **механи́зм** оддий механизм.

БЕСХЛЕ́БИЦА *ж прост.* ғалла (дон, нон) тақчиллиги; қаҳатчилик.

БЕ́СХОЗН/ЫЙ, -ая, -ое *разг.* эгаси йўқ, ҳеч кимга қарашли эмас, эгасиз; ~**ое иму́щество** эгасиз мулк.

БЕЗХОЗЯ́ЙНЫЙ, -ая, -ое 1 *то же, что* **бесхо́зный**; 2 ер-мулки, хўжалиги бўлмаган, хўжалиги йўқ.

БЕСХОЗЯЙСТВЕ́ННО *нареч.* хўжасизлик билан, тежаб-тергамасдан; бебилиска.

БЕСХОЗЯЙСТВЕ́ННОСТЬ *ж* хўжасизлик, тадбирсизлик, ношудлик, бебилиска (тежаб-тергамасдан) иш тутиш; **борьба́ с ~ю** хўжасизликка қарши кураш.

БЕСХОЗЯЙСТВЕ́НН/ЫЙ, -ая, -ое 1 хўжасиз, тадбирсиз, ношуд; 2 тартибсиз, бебилиска, хўжасизларча; ~**ое отноше́ние к иму́ществу** мол-мулкка хўжасизларча муносабатда бўлиш; ~**ое веде́ние дел** бебилиска (тежаб-тергамасдан) иш тутиш.

БЕСХРЕБЕ́ТНЫЙ, -ая, -ое; -тен, -тна 1 умуртқасиз, умуртқа суяги йўқ; 2 *перен. разг.* мустаҳкам бўлмаган, қатъиятсиз, принципсиз, беқарор.

БЕСЦВЕТКО́В/ЫЙ, -ая, -ое *бот.* гулсиз, гулламайдиган; ~**ое расте́ние** гулсиз ўсимлик.

БЕСЦВЕ́ТНОСТЬ *ж* 1 рангсизлик, туссизлик; нурсизлик; 2 *перен.* ифодасизлик, саёзлик, сийқалик, бўшлик.

БЕСЦВЕ́ТН/ЫЙ, -ая, -ое; -тен, -тна 1 рангсиз, туссиз; нурсиз, ранғпар, хира; ~**ый газ** туссиз газ; ~**ая жи́дкость** рангсиз суюқлик; 2 *перен.* ифодасиз, саёз, сийқа, бўш; ~**ый расска́з** саёз ҳикоя, бўш ҳикоя.

БЕСЦЕ́ЛЬНО *нареч.* бемақсад, бекор, беҳуда, фойдасиз; ~ **броди́ть по у́лицам** кўчаларда бекор санқиб юрмоқ.

БЕСЦЕ́ЛЬНОСТЬ *ж* мақсадсизлик, бемақсадлик; ~ **существова́ния** ҳаётнинг бемақсадлиги; бекор ўтган умр.

БЕСЦЕ́ЛЬНЫЙ, -ая, -ое; -лен, -льна мақсадсиз, бемақсад, фойдасиз, беҳуда, бекораки; ~ **спор** беҳуда тортишув, фойдасиз баҳс.

БЕСЦЕНЗУ́РНЫЙ, -ая, -ое цензурадан ўтмаган ёки ўтмайдиган, цензурасиз.

БЕСЦЕ́ННЫЙ, -ая, -ое; -нен, -нна *книжн.* 1 баҳоси йўқ, бебаҳо, қимматбаҳо, қимматли, қадрли; ~**ое сокро́вище** бебаҳо хазина; баҳоси йўқ бойлик; 2 *перен.* қимматли, қадрли, азиз; ~**ый друг** қадрли дўст; ~**ое письмо́** қимматли хат; 3 *уст.* арзон, паст нарх, жўн; ✦**ая посы́лка** *разг.* баҳоси кўрсатилмаган (баҳоланмаган) посилка.

БЕСЦЕ́НОК *м:* **за ~** *разг.* жуда арзон, сув текин; **купи́ть за ~** жуда арзонга олмоқ, арзимаган пулга сотиб олмоқ; **прода́ть за ~** сув текин сотмоқ.

БЕСЦЕРЕМО́ННО *нареч.* тортинмасдан, такаллуфсизлик (сурбетлик, беандишалик) билан, уялмай, уят-андиша қилиб ўтирмасдан, беандиша, сурбетларча; ~ **потре́бовать** *что-л.* уялмай-нетмай талаб қилмоқ; худди ўзиникидек талаб қилмоқ; ~ **вести́ себя́** ўзини сурбетларча тутмоқ; сурбетлик (беандишалик) қилмоқ.

БЕСЦЕРЕМО́ННОСТЬ *ж* такаллуфсизлик, тортинмаслик, густоҳлик, беандишалик.

БЕСЦЕРЕМО́НН/ЫЙ, -ая, -ое; -нен, -нна тортиниб ўтирмайдиган, такаллуфни билмайдиган, такаллуфсиз, бетакаллуф, беандиша, густоҳ; густоҳона; ~**ый челове́к** бетакаллуф одам, густоҳ одам; ~**ое обраще́ние** бетакаллуф муоамала, густоҳона муомала.

БЕСЧЕЛНО́ЧНЫЙ, -ая, -ое мокисиз; ~ **стано́к** мокисиз дастгоҳ.

БЕСЧЕЛОВЕ́ЧНО *нареч.* ваҳшийларча, шафқатсизлик билан, раҳм қилмасдан, аямасдан; ~ **эксплуати́ровать** шафқатсизлик билан киши кучидан фойдаланмоқ, бешафқат эксплуатация қилмоқ.

БЕСЧЕЛОВЕ́ЧНОСТЬ *ж* ғайриинсонийлик, ваҳшийлик, бераҳмлик, шафқатсизлик.

БЕСЧЕЛОВЕ́ЧН/ЫЙ, -ая, -ое; -чен, -чна ғайриинсоний, ваҳшиёна, шафқатсиз, раҳмсиз; ~**ая эксплуата́ция** шафқатсиз эксплуатация; ~**ое обраще́ние** ғайриинсоний муомала.

БЕСЧЕ́СТИТЬ, -е́шу, -е́стишь *несов. (сов.* **обесче́стить**) *кого-что* бадном қилмоқ, номини булғамоқ, обрўйини тўкмоқ, шарманда қилмоқ.

БЕСЧЕ́СТНО *нареч.* виждонни ютиб (сотиб), инсофсизлик билан, виждонсизларча; **поступа́ть ~** виждонсизлик қилмоқ.

БЕСЧЕ́СТНОСТЬ *ж* виждонсизлик, инсофсизлик, диёнатсизлик, ноинсофлик; виждонни ютиш (сотиш).

БЕСЧЕ́СТНЫЙ, -ая, -ое; -тен, -тна виждони, диёнати йўқ, виждонсиз, инсофсиз, диёнатсиз, ноинсоф; ~ **челове́к** виждонсиз одам; ~ **посту́пок** виждонсизлик билан қилинган иш; ноинсофлик.

БЕСЧЕ́СТЬЕ *с уст.* бадном бўлиш, ҳақоратланиш, шармандалик, бадномлик; **нанести́** *кому-л.* ~ ҳақорат қилмоқ, бадном қилмоқ, шарманда қилмоқ.

БЕСЧИ́НСТВО *с* жамоат тартибини бузиш, ўзбошимчалик, бебошлик.

БЕСЧИ́НСТВОВАТЬ *несов.* жамоат тартибини бузмоқ, ўзбошимчалик (бебошлик) қилмоқ.

БЕСЧИ́СЛЕНН/ЫЙ, -ая, -ое сонсиз, саноқсиз, беадад, кўп, сон-саноқсиз; ~**ое мно́жество** сон-саноқсиз кўп, жуда кўп; ~**ые то́лпы наро́да** тумонат одам, оломон.

БЕСЧУ́ВСТВЕННО *нареч.* 1 ҳушсиз ҳолда, ўзини билмай, ҳушдан кетиб; 2 парво қилмай, лоқайд; 3 шафқатсизлик билан, бешафқат, ёвузларча.

БЕСЧУ́ВСТВЕННОСТЬ *ж* 1 беҳуш ҳолат, беҳушлик, ҳушсизлик, сезмаслик, эти ўликлик; 2 эътиборсизлик, бепарволик; 3 шафқатсизлик, бағритошлик, золимлик.

БЕСЧУ́ВСТВЕНН/ЫЙ, -ая, -ое 1 ҳушидан кетган, беҳуш, ҳушсиз, ҳиссиз; эти ўлган, сезмайдиган; ~**ое состоя́ние** беҳуш ҳолат, ҳушсизлик; 2 парвойига келтирмайдиган, қайғурмайдиган, бепарво; 3 шафқатсиз, тошбағир, бераҳм, ёвуз; ~ **челове́к** шафқатсиз одам.

БЕСЧУ́ВСТВИ/Е *с* 1 беҳушлик, ҳушсизлик, сезмаслик, ўзини билмаслик, ҳушдан кетиш; **в ~и** беҳуш вақтда, ўзини билмай ётган вақтда; **до ~я (довести́, дойти́, изби́ть)** ўзини билмай қолгунча, ҳушидан кетгунча; 2 **эътиборсизлик**, бепарволик, қайишмаслик (мас., бировнинг дардига); 3 шафқатсизлик, бағритошлик, золимлик, ёвузлик.

БЕСШАБА́ШН/ЫЙ, -ая, -ое; -шен, -шна *разг.* беғам, бепарво, бебок, авбош; ~**ый па́рень** авбош йигитча; ~**ая у́даль** бебок жасурлик.

БЕСШО́ВНЫ/Й, -ая, -ое чоксиз, чоки йўқ, бечок, улоқсиз; ~**е тру́бы** чоксиз трубалар.

БЕСШУ́МНО *нареч.* шовқин солмасдан, овоз чиқармай, жим, оҳиста, аста, овозсиз, товушсиз; ~ **дви́гаться** овоз чиқармай ҳаракат қилмоқ, оҳиста юрмоқ.

БЕСШУ́МН/ЫЙ, -ая, -ое; -мен, -мна шовқинсиз, товушсиз, товуш чиқмайдиган, товуш чиқармайдиган, оҳиста; ~**ая маши́на** шовқинсиз машина; ~**ая рабо́та** шовқинсиз ишлаш; ~**ые шаги́** оҳиста қадамлар.

БЕ́ТА *ж* бета (1 юнон алфавитининг иккинчи ҳарфи номи; 2 модданинг муайян ҳолатини билдирувчи сўз-термин бўлаги; мас., **бе́та-желе́зо**; 3 бета-зарраларга алоқадорликни билдирувчи сўз-терминлар бўлаги; мас., **бе́та-распа́д, бе́та-лучи́**).

БЕ́ТА-ЛУЧИ́ *мн. физ.* бета-нурлар (бета-зарралар оқими).

БЕ́ТА-РАСПА́Д *м физ.* бета-емирилиш (атом ядросининг радиоактив емирилиши).

БЕТАТРО́Н *м* бетатрон (электронлар тезлаткичи).

БЕ́ТА-ЧАСТИ́ЦЫ *мн. физ.* бета-зарралар (бета-емирилиш натижасида ядродан ажралиб чиқадиган электрон ёки позитронлар).

БЕТО́Н *м* бетон; **залива́ть ~ом** бетон қуймоқ, бетон билан қопламоқ.

БЕТОНИ́РОВАНИЕ *с по гл.* **бетони́ровать**.

БЕТОНИ́РОВАТЬ *несов. (сов.* **забетони́ровать**) *что* бетонламоқ, бетон билан ишламоқ, бетон билан мустаҳкамламоқ.

БЕТО́НКА *ж, р. мн.* **-нок** *разг.* бетонланган йўл, бетон йўл.

БЕТО́НН/ЫЙ, -ая, -ое бетондан ишланган; бетон...; ~**ая плита́** бетон плита; ~ **ый пол** бетондан ишланган пол, бетон пол; ~**ый заво́д** бетон заводи.

www.ziyouz.com kutubxonasi

БЕТОНОМЕШАЛКА *ж, р. мн.* **-лок** бетонқоргич (бетон қорадиган машина).

БЕТОНЩИК *м* бетончи.

БЕФСТРОГАНОВ *м нескл. кул.* бефстроган (майда тўғралган гўштли овқат).

БЕЧЕВ/А́ *ж* 1 пишиқ арқон, арғамчи, тизимча, чилвир; 2 қадимда: кема тортадиган арқон; **Четы́рнадцать челове́к тяну́ли ~о́й тяжёлую ба́рку с хле́бом** (А. Н. Толстой) Буғдой ортилган оғир баркани ўн тўрт киши арқон билан тортиб борар эди.

БЕЧЕ́ВКА *ж, р. мн.* **-вок** ингичка арқон, чилвир, тизимча.

БЕЧЕВНИ́К и **БЕЧЕ́ВНИК** *м* дарё (кўл) ёқаси (кема тортувчи бурлаклар дарё ёки кўл ёқалаб борадиган йўл).

БЕЧЕВ/О́Й, -а́я, -о́е 1 арқонга (чилвирга) оид; арқон...; чилвир...; **~а́я тя́га** арқон боғлаб тортиш (кема, баржа ва ш. к. ни); 2 *в знач. сущ.* **~а́я** *ж уст.* и *обл. то же, что* **бечевни́к; бурлаки́ идýт ~о́й** бурлаклар дарё (ёки кўл) ёқалаб кема тортиб борардилар.

БЕШАМЕ́ЛЬ *ж кул.* бешамель (тухум ва сутга ун қориб тайёрланадиган қайла).

БЕ́ШЕНСТВ/О *с* 1 қутуриш (касаллик); **приви́вка про́тив ~а** қутуришга қарши эмлаш; 2 *перен.* қутуриш, ғазабга келиш, ғазабга миниш, ғазабига олиш, қаттиқ ғазаб; **прийти́ в ~о** қаттиқ ғазабланмоқ, ғазабга минмоқ, ғазабига олмоқ; **привести́ в ~о** қаттиқ ғазаблантирмоқ, қутуртирмоқ.

БЕ́ШЕНСТВОВАТЬ *несов.* қутурмоқ, ғазабга минмоқ, ғазабига олмоқ, аччиғига чидолмай ғазаб сочмоқ.

БЕ́ШЕН/ЫЙ, -ая, -ое 1 қутурган; **~ая соба́ка** қутурган ит; 2 *перен.* ҳаддан ташқари ғазабли, ғазабга минган, аччиғи тез, ғазабнок; **~ый хара́ктер** ўтакетган ғазабнок феъл-атвор; **~ый взгля́д** ғазабли қараш, ғазаб билан ўқрайиш; 3 *перен.* бўй бермайдиган, қизғин, қизиган; **~ая тро́йка** бўй бермайдиган (қизғин) уч отли арава; 4 *перен.* ҳаддан ташқари кучли, шиддатли, қаттиқ, жуда катта; қутурган; **~ый пото́к** шиддатли оқим; **~ая ско́рость** жуда катта тезлик; **~ая ата́ка** шиддатли ҳужум; **оказа́ть ~ое сопротивле́ние** шиддатли қаршилик кўрсатмоқ, жон-жаҳди билан (ўлган-тирилганига қарамай) қаршилик қилмоқ; ✦ **~ые де́ньги** *уст.* текин пул, мўмай даромад, бебилиска пул; **~ые це́ны** *разг.* ҳаддан ташқари баланд нархлар, юқори баҳолар.

БЕШМЕ́Т *м* пешмат, бешбел камзул.

БЗИК *м прост.* қизиқ одат, ғалати қилиқ; **челове́к с ~ом** ғалати одам, қизиқ одам.

БИАТЛО́Н *м* биатлон (чанғида югуриш ва йўл-йўлакай милтиқ отиш спорти).

БИАТЛОНИ́СТ *м* биатлонист, биатлончи спортсмен.

БИАТЛО́ННЫЙ, -ая, -ое биатлонга оид; биатлон...

БИБЛЕ́ЙСК/ИЙ, -ая, -ое библияга оид, библияда келтирилган; библия...; **~ая леге́нда** библияда келтирилган афсона, библия афсонаси; **~ий текст** библия тексти.

БИБЛИО́ГРАФ *м* библиограф, библиография мутахассиси.

БИБЛИОГРАФИ́ЧЕСК/ИЙ, -ая, -ое библиографияга оид, библиографик, библиография...; **~ий указа́тель** библиографик кўрсаткич; ✦ **~ая ре́дкость** нодир (топилмайдиган бўлиб қолган) китоб, асар.

БИБЛИОГРА́ФИЯ *ж* библиография (1 китоб ва бошқа нашрларнинг системали илмий тавсифи; 2 шундай тавсифномалар тузиш ҳақидаги фан; 3 китоблар, асарлар рўйхати, кўрсаткичи; **~ по исто́рии ру́сской литерату́ры** рус адабиёти тарихига оид библиография).

БИБЛИО́ЛОГ *м уст. то же, что* **книгове́д.**

БИБЛИОЛО́ГИЯ *ж уст. то же, что* **книгове́дение.**

БИБЛИОМА́Н *м* китобсевар, китоб шайдоси.

БИБЛИОМА́НИЯ *ж* китобсеварлик, китобга шайдолик.

БИБЛИОТЕ́КА *ж* 1 кутубхона, библиотека; **передви́жна́я ~** кўчма кутубхона; **городска́я ~** шаҳар кутубхонаси; 2 кутубхона (бирор шахснинг ўз китоблари мажмуи); **~ учёного** олим кутубхонаси; 3 библиотека (маълум тематикага оид ёки муайян китобхонлар группасига аталган китоблар мажмуи); **~ шко́льника** мактаб библиотекаси; **~ учи́теля** ўқитувчи библиотекаси; ✦ **~-чита́льня** кутубхона-ўқишхона.

БИБЛИОТЕ́КАРША *ж разг.* кутубхоначи аёл.

БИБЛИОТЕ́КАРЬ *м* кутубхона ходими, кутубхоначи.

БИБЛИОТЕКОВЕ́ДЕНИЕ *с* кутубхоначилик илми, кутубхонашунослик.

БИБЛИОТЕКОВЕ́ДЧЕСКИЙ, -ая, -ое кутубхоначилик илмига оид, кутубхонашунослик...

БИБЛИОТЕ́ЧКА *ж, р. мн.* **-чек** 1 *уменьш. от* **библиоте́ка**; 2 *то же, что* **библиоте́ка** 3.

БИБЛИОТЕ́ЧН/ЫЙ, -ая, -ое кутубхонага ва кутубхоначиликка оид, кутубхона...; кутубхоначилик...; **~ый катало́г** кутубхона каталоги; **~ое де́ло** кутубхоначилик иши.

БИБЛИОФИ́Л *м* китобсевар, китоб шинавандаси; нодир китоблар шайдоси, нодир китобларга ва уларни тўплашга берилган одам.

БИ́БЛИЯ *ж* библия (яҳудий ва христиан динининг «муқаддас китоблар»и йиғиндиси).

БИВА́К *м* лашкаргоҳ, қўш (қўшин қўнган очиқ жой); **расположи́ться ~ом** лашкаргоҳга ўрнилашмоқ, қўш ташламоқ.

БИВА́ТЬ *несов. многокр. разг. см.* **бить.**

БИВА́ЧН/ЫЙ, -ая, -ое лашкаргоҳга (қўшга) оид; лашкаргоҳ...; қўш...; **~ое расположе́ние** лашкаргоҳга ўрнашиш, қўш ташлаш; ✦ **~ая жизнь** *уст.* кўчманчиларча ҳаёт.

БИ́ВНИ *мн. (ед.* **би́вень** *м)* дандон тиш (баъзи сут эмизувчиларнинг ўсиқ олд тиши); **~ слона́ фил тишлари.**

БИВУА́К *м уст. то же, что* **бива́к.**

БИГУДИ́ *с нескл.* бигуди (сочни жингалак қиладиган тизимча ёки найча).

БИДО́Н *м* бидон, битон; **~ для молока́** сут солинадиган бидон, сут бидони.

БИЕ́НИЕ *с* 1 тепиш, уриш; **~ се́рдца** юрак тепиши; **~ пу́льса** томир уриши; 2 *физ.* тепиш; тебраниш.

БИЖУТЕ́РИЯ *ж собир.* бижутерия, жўн тақинчоқлар.

БИЗА́НЬ *ж мор.* бизань (1 кеманинг қуйруқ томонидаги мачта; 2 шу мачтадаги остки қия елкан); ✦ **~-ма́чта** *то же, что* **биза́нь** 1.

БИЗНЕС *м* бизнес (даромадли иш, коммерция).

БИЗНЕСМЕ́Н *м* бизнесмен, корчалон, ишбилармон, коммерсант (капиталистик мамлакатларда).

БИЗО́Н *м* бизон (Шимолий Америка ёввойи қорамоли).

БИЗО́Н/ИЙ, -ья, -ье бизонга оид; бизон...; **~ья шерсть** бизон жуни.

БИКВАДРА́Т *м мат.* биквадрат, тўртинчи даража; тўртинчи даражадаги.

БИКВАДРА́ТН/ЫЙ: ~ое уравне́ние *мат.* биквадрат (тўртинчи даражали) тенглама.

БИКФО́РДОВ: ~ шнур бикфорд пилтаси (шнури).

БИЛАБИА́ЛЬНЫЙ: ~ звук билабиал товуш, лаб-лаб товуши.

БИЛЕ́Т *м* 1 билет; **железнодоро́жный ~** темир йўл (поезд) билети (чиптаси; *эск.*); **проездно́й ~** транспортда юриш билети; **~ в теа́тр** театр билети; **входно́й ~** кириш билети; 2 гувоҳнома, билет; **парти́йный ~** партия билети; **вое́нный ~** ҳарбий билет; **чле́нский ~** аъзолик билети; **студе́нческий ~** студентлик билети, гувоҳномаси; 3 қоғоз пул; **креди́тный ~** қоғоз пул; **госуда́рственный казначе́йский ~** пул (давлат хазина билети); 4 билет (бирор текст ёзилган варақа, текстли карточка); **пригласи́тельный ~** таклиф қоғози, таклифнома; **экзаменацио́нный ~** имтиҳон билети; ✦ **бе́лый** *~см.* **бе́лый; во́лчий** *~ см.* **во́лчий; жёлтый** *~ см.* **жёлтый.**

БИЛЕТЁР *м* билетёр, билет текширувчи (томошахоналарда).

БИЛЕТЁРША *ж разг.* билетёрша, билет текширувчи аёл.

БИЛЕ́ТН/ЫЙ, -ая, -ое билетга оид; билет; **~ая ка́сса** билет кассаси.

БИЛЛИО́Н *м* биллион (СССР, Франция, Америка ҳисоб системасида: минг миллион ёки миллиард 10^9; немис ва инглиз ҳисоб системасида: миллион миллион ёки минг миллиард 10^{12}).

www.ziyouz.com kutubxonasi

БИЛЛО́Н *м спец.* биллон (1 майда танга учун ишлатиладиган паст нав кумуш; 2 шундай кумушдан қилинган паст танга).

БИЛЛО́ННЫЙ, -ая, -ое биллондан ясалган; биллон...; **~ая моне́та** биллондан ясалган танга, паст танга.

БИ́ЛЛЬ *м* билль, қонун лойиҳаси (АҚШда, Англия ва унинг собиқ доминионларида).

БИ́ЛО *с* 1 довул, занг; 2 *тех.* урғич; даста; **~ ткáцкого станкá** тўқув станогининг урғичи; **~ маслобóйки** кув дастаси.

БИЛЬБОКЕ́ *с нескл.* бильбоке (ирғитиб илиб олинадиган соққали ўйинчоқ).

БИЛЬДАППАРА́Т *м уст. то же, что* **фототелегра́ф.**

БИЛЬЯ́РД *м* бильярд (ўйин ва унинг столи, шарлари); **игра́ть в ~** бильярд ўйнамоқ; **приобрести́ ~** бильярд сотиб олмоқ.

БИЛЬЯ́РДН/ЫЙ, -ая, -ое 1 бильярдга оид; бильярд...; **~ый шар** бильярд шари; 2 *в знач. сущ.* **~ая** *ж* бильярдхона.

БИМЕТАЛЛИ́ЗМ *м* биметаллизм; биметалл (қўшметалл) система (икки хил — олтин ва кумуш пул юргизиш системаси).

БИМЕТАЛЛИ́ЧЕСК/ИЙ, -ая, -ое 1 биметаллизмга оид, биметалл...; **~ая систе́ма** *то же, что* **биметаллизм**; 2 биметалл, қўшметалл, икки хил металлдан иборат бўлган, ясалган; **~ая пласти́нка** биметалл (қўшметалл) пластинка.

БИМЕТА́ЛЛЫ *мн. (ед.* **биметалл** *м)* биметаллар, қўшметаллар (икки хил металл қатламидан иборат бўлган деталь, сим, пластина ва ҳ. к.).

БИ́МСЫ *мн. (ед.* **бимс** *м) мор.* бимслар, кўндаланг балкалар (кемада).

БИНА́РН/ЫЙ, -ая, -ое бинар, иккили, қўш; **~ая систе́ма исчисле́ния** бинар (иккили) ҳисоблаш системаси; **~ые спла́вы** бинар (икки компонентли) қотишмалар.

БИНО́КЛЬ *м* дурбин, бинокль; **теа́тральный ~** театр дурбини; **полево́й ~** дала дурбини.

БИНОКУЛЯ́РН/ЫЙ, -ая, -ое бинокуляр, икки кўзли; икки кўз билан кўрадиган; **~ое зре́ние** бинокуляр кўриш, икки кўз билан кўриш; **~ый микроско́п** икки кўзли (окулярли) микроскоп.

БИНО́М *м мат.* бином, иккиҳад; **~ Ньюто́на** Ньютон биноми (иккиҳади).

БИНТ *м* бинт; **наложи́ть ~** бинтламоқ, бинт билан боғламоқ.

БИНТОВА́ТЬ, -ту́ю, -ту́ешь *несов. (сов.* **забинтова́ть**) *кого-что* бинтламоқ, бинт билан боғламоқ, боғлаб қўймоқ; **~ ра́ну** ярани бинт билан боғламоқ.

БИОГЕОГРАФИЯ *ж* биогеография (ҳайвон ва ўсимликларнинг ер юзида қандай тарқалганлиги ҳақидаги фан).

БИО́ГРАФ *м* биограф (машҳур шахсларнинг биографиясини тузувчи, таржимаи ҳолини ўрганувчи шахс); **~А. С. Пу́шкина** А. С. Пушкин биографи.

БИОГРАФИ́ЧЕСКИ/Й, -ая, -ое биографияга, таржимаи ҳолга оид, биографик; **~е све́дения** биографик маълумотлар; **~й слова́рь** биографик луғат.

БИОГРА́ФИ/Я *ж* биография, таржимаи ҳол; **написа́ть ~ю** таржимаи ҳолини ёзмоқ; **рассказа́ть ~ю** биографиясини айтиб бермоқ; **~я Л. Н. Толсто́го** Л. Н. Толстой биографияси.

БИО́ЛОГ *м* биолог, биология олими, мутахассиси.

БИОЛОГИ́ЧЕСК/ИЙ, -ая, -ое биологияга оид; биологик, биология...; **~ая ста́нция** биологик станция, биология станцияси.

БИОЛО́ГИЯ *ж* биология (ҳаёт ва тирик табиат ҳақидаги фанлар мажмуи).

БИО́НИК *м* бионик, бионика олими, мутахассиси.

БИО́НИКА *ж спец.* бионика (кибернетиканинг тирик организмлар тузилиши ва фаолиятини ўрганиш асосида техника муаммоларини ҳал этиш билан шуғулланадиган бўлими).

БИОНИ́ЧЕСКИ/Й, -ая, -ое бионикага оид; бионикага асосланган, бионика соҳасидаги; бионика...; **~е пробле́мы** бионика проблемалари; **~е иссле́дования** бионика соҳасидаги тадқиқотлар.

БИОСИ́НТЕЗ *м* биосинтез (тирик модданинг синтези).

БИОСТА́НЦИЯ *ж* биостанция, биологик станция, биология станцияси.

БИОСФЕ́РА *ж* биосфера (ернинг тирик мавжудот тарқалган қисми, жойлари).

БИОСФЕ́РНЫЙ, -ая, -ое биосферага оид; биосфера...

БИОТО́КИ *мн. (ед.* **биото́к** *м) спец.* биотоклар (мияда пайдо бўладиган электромагнит тўлқинлари).

БИОФИ́ЗИК *м* биофизик, биофизика олими, мутахассиси.

БИОФИЗИ́КА *ж* биофизика, биологик физика (тирик организмларнинг физик хоссаларини, биологик ҳодисалардаги физик қонуниятларни ўрганадиган фан).

БИОФИЗИ́ЧЕСКИЙ, -ая, -ое биофизикага оид, биофизик...; биофизика...

БИОХИМИ́ЧЕСКИЙ, -ая, -ое биохимияга оид, биохимик; биохимия...

БИОХИ́МИЯ *ж* биохимия, биологик химия (тирик организмларнинг химиявий таркиби ва уларда содир бўладиган химиявий процессларни ўрганадиган фан).

БИПЛА́Н *м ав.* биплан (устма-уст қанотли самолёт).

БИ́РЖА *ж* 1 биржа (капиталистик мамлакатларда: йирик савдо ва молия ишларига оид муомалалар бўйича воситачилик қилувчи муассаса); **фо́ндовая ~** фонд биржаси; **това́рная ~** товар биржаси; 2 *уст.* мардикор бозор; умуман ҳар қандай бозор; 3 *уст.* биржа (ёғоч-тахта ва ш. к. склади); 4 *уст.* извошлар турадиган жой; ✦ **~ трудá** меҳнат биржаси; **чёрная ~** қора биржа (яширинча савдо қилинадиган, чет эл пуллари сотиладиган махфий бозор).

БИРЖЕВИ́К *м, р.* **-á** биржачи, биржа ишлари билан шуғулланувчи капиталист, биржа корчалони.

БИРЖЕВ/О́Й, -áя, -óе биржага оид; биржа...; **~áя сдéлка** биржа битими; биржадаги олди-сотди; **~óй мáклер** биржа даллоли.

БИ́РКА *ж, р. мн.* **-рок** 1 *уст.* и *обл.* чўпхат (белги қўйиб бирор нарса ҳисоби олиб бориладиган таёқча, тахтача); 2 ёрлиқ (багаж ёки товар устига осиб қўйилган ёзувли тахтача).

БИРМА́НЕЦ *м, р.* **-нца** бирмалик; *см.* **бирма́нцы.**

БИРМА́НКА *ж, р. мн.* **-нок** бирмалик аёл; *см.* **бирма́нцы.**

БИРМА́НСКИЙ, -ая, -ое бирмага ва бирмаликларга оид; Бирма...; бирмалик(лар)...; **~ язы́к** бирма тили.

БИРМА́НЦЫ *мн. (ед.* **бирма́нец** *м,* **бирма́нка** *ж)* бирмаликлар (бирма иттифоқининг асосий халқи).

БИ́РОЧНЫЙ, -ая, -ое биркага оид; бирка...

БИРЮЗА́ *ж* феруза.

БИРЮЗО́В/ЫЙ, -ая, -ое 1 феруза оид; феруза кўзли; феруза...; **~ый пе́рстень** феруза кўзли узук; 2 мовий, феруза рангли; **~ое мо́ре** мовий денгиз; **~ая косы́нка** мовий косинка (дуррача).

БИРЮ́К *м, р.* **-á** 1 *обл.* ёлғиз бўри; тўдадан ажралган бўри; 2 *перен.* сўққабош одам; одамови; ✦ **смотре́ть ~о́м** қовоғини солиб, хўмрайиб қарамоқ.

БИРЮ́ЛЬКИ *мн., р.* **-лек** *(ед.* **бирю́лька** *ж)* бирюльки (ёғочдан қилинган майда-чуйда нарсаларни айқаш-уйқаш уйиб, илмоқ билан бирин-кетин қимирлатмасдан олиш ўйини); ✦ **игра́ть в ~** майда-чуйда, арзимаган нарсалар билан овора бўлмоқ.

БИС *межд.* бис!, яна!, яна бўлсин!; **крича́ть ~** бис деб талаб қилмоқ (чақирмоқ); **испо́лнить на ~** томошабинларнинг талаби билан такрорламоқ.

БИСЕР *м собир.* майда мунчоқ, нозик, маржон; **вышива́ть ~ом** нозик қадаб гул тикмоқ; нозик қадамоқ; ✦ **мета́ть ~ пе́ред сви́ньями** аҳмоққа гап уқтирмоқ, эшакнинг қулоғига танбур чертмоқ.

БИСЕРИНА *ж разг.* майда мунчоқ (маржон) донаси, нозик.

БИСЕРИНКА *ж, р. мн.* **-нок** *уменьш. от* **би́серина.**

БИ́СЕРНЫЙ, -ая, -ое майда мунчоқдан (нозикдан) қилинган; мунчоқ (нозик) қадалган; **~кошеле́к** майда мунчоқдан (нозикдан) қилинган ҳамён; майда мунчоқ (нозик) қадалган кармон; ✦ **~ по́черк** жуда майда хат; нозик хат.

www.ziyouz.com kutubxonasi

БИСИ́РОВАТЬ *сов.* и *несов.* *что* и *без доп. книжн.* томошабинлар талабига мувофиқ такрорламоқ, бисга чиқмоқ.

БИСКВИ́Т *м* бисквит (печенье тури).

БИСКВИ́ТН/ЫЙ, -ая, -ое бисквитга оид; бисквит...; **~ое те́сто** бисквит хамир; **~ое пиро́жное** бисквит пирожное.

БИССЕКТРИ́СА *ж мат.* биссектриса (бурчакни тенг иккига бўлувчи тўғри чизиқ).

БИТА́ *ж* чиллак.

БИ́ТВ/А *ж* жанг, уруш; **по́ле ~ы** жанг майдони; **~а под Сталингра́дом** Сталинград бўсағаларидаги жанглар.

БИТКИ́ *мн. (ед.* **битО́к** *м)* битки (юмалоқ котлет).

БИТКО́М *нареч.:* **~ наби́ть** лиқ тўлдирмоқ; ниҳталаб жойламоқ; **~ наби́тый трамва́й** одам билан лиқ тўла (тиқин) трамвай; **ваго́н наби́т ~** вагон лиқ тўла, жуда тиқин.

БИТО́ЧКИ *мн. (ед.* **бито́чек** *м) уменьш. от* **битки́** *то же, что* **битки́**.

БИТУ́М *м* битум (углеводороддан иборат смолали моддаларнинг, *мас.,* нефть, гудрон, асфальт ва ш. к. нинг умумий номи).

БИТУ́МНЫЙ, -ая, -ое битумга оид; битумли, битум...

БИ́Т/ЫЙ, -ая, -ое 1 *прич. от* **бить** 2, 3, 4, 7; 2 *в знач. прил.* синиқ, пачоқ, синган, синдирилган, пачоқланган; **~ая посу́да** синган (синдирилган) идиш; **~ое стекло́** синган (синдирилган) ойна; шиша синиқлари; 3 *в знач. прил.* тажрибали, кўпни кўрган; ✦ **~ы́й час** бутун (кушод) бир соат, узоқ вақт; **я вас ~ы́й час ждал** мен сизни кушод бир соат кутдим.

БИ́ТЬ, бью бьёшь; бей(те) *несов.* (*многокр.* **быва́ть**) 1 *чем во что, по чему* урмоқ, туширмоқ, тепмоқ, қоқмоқ; урилмоқ; **~ молотко́м** болға билан урмоқ (қоқмоқ); **~ кулако́м в дверь** эшикни мушт билан урмоқ (қоқмоқ); **~ в бараба́н** барабан чалмоқ; **~ в ко́локол** қўнғироқ чалмоқ; **~ в ладо́ши** чапак (қарсак) чалмоқ; **говори́ть, бия́ (уст.) себя́ в грудь кулако́м** кўкрагига мушт уриб гапирмоқ, ўз сўзига ишонтиришга уринмоқ; **Косо́й дождь бьёт по стёклам** (Короленко) Қиялаб ёғаётган ёмғир ойналарга урилмоқда; **Холо́дный ве́тер бил Макси́му в лицо́** (Марков) Совуқ шамол Максимнинг юзига урмоқда (урилмоқда) эди; 2 *(сов.* **побить***)* *кого* урмоқ, калтакламоқ, дўппосламоқ; **~ ло́шадь** отни урмоқ; **лежа́чего не бьют** *погов.* йиқилганни урмайдилар; 3 *(сов.* **разби́ть***)* *кого-что* енгмоқ, пачоқламоқ, тор-мор қилмоқ; **~ врага́** душманни тор-мор қилмоқ; 4 *кого* уриб, отиб ўлдирмоқ, сўймоқ, бўғизламоқ; **~ свине́й** чўчқаларни сўймоқ; **~ ры́бу остроги́й** балиқни найза санчиб (отиб) ўлдирмоқ; **~ пти́цу** қушни сўймоқ (ёки отиб туширмоқ); **~ пти́цу влёт** учиб кетаётган қушни отиб олмоқ, уриб туширмоқ; 5 *по кому-чему* и *без доп.* отмоқ, урмоқ; ўққа тутмоқ; **ружьё бьёт ку́чно** милтиқ бир жойга уради (яъни ундан отилган ўқлар бир жойга тўп бўлиб тегади); **винто́вка бьёт на три киломе́тра** винтовка уч километрга отади (уч километрдагини уради); **~ из пу́шек по укрепле́ниям врага́** душман истеҳкомларини тўпга тутмоқ; **слы́шно, как бьют зени́тки** зенит тўпининг отилиши эшитилиб турибди; **~ в цель** 1) нишонга урмоқ, мўлжалга теккизмоқ; 2) *перен.* кўзланган натижага эришмоқ, мақсадга етмоқ; **~ ми́мо це́ли** 1) ўқни хато қилмоқ, ўқни хато кетказмоқ; 2) керакли натижага эриша олмай қолмоқ; 6 *перен. по кому-чему* қаттиқ зарба бермоқ, урмоқ, танқид қилмоқ; **~ по бюрократи́зму** бюрократизмга қаттиқ зарба бермоқ; 7 *(сов.* **разби́ть***)* *что* синдирмоқ, парчаламоқ, майдаламоқ; чақмоқ; **~ стёкла** шишани синдирмоқ, майдаламоқ; **~ посу́ду** идишни синдирмоқ; **~ ка́мень** тош майдаламоқ, тош чақмоқ; 8 оқиб чиқмоқ (тушмоқ), отилиб чиқмоқ; урмоқ; **кровь бьёт из ра́ны** ярадан қон отилиб чиқмоқда; **фонта́н бьёт струёй** фонтандан сув тизиллаб отилиб чиқмоқда; фаввора урмоқда; 9 *перен. во что* урмоқ, урилмоқ, тушмоқ, кирмоқ (ёруғлик, товуш, ҳид ва ш. к. ҳақида); **свет бьёт в глаза́** кўзга ёруғлик (нур) тушаётир; **Пья́ный за́пах переки́сшего те́ста бил в нос** (М. Горький) Ачиган хамирнинг ўткир ҳиди димоққа урилади; 10 *(сов.* **проби́ть***)* *что* бонг урмоқ, занг урмоқ (соат ҳақида); **часы́ бьют шесть** соат олтига бонг уряпти; 11 *кого* **титратмоқ**, қалтиратмоқ; тушмоқ (босмоқ); **Юношу мучи́тельно бил ка́шель** (М. Горький) Боланинг қаттиқ йўтали тутарди; **Меня́ би́ла не́рвная дрожь** (Бек) Мени асабий титроқ босди; 12 баъзи махсус иборалар таркибига киради; **~ ма́сло** кув пишмоқ; **~ шерсть** жун савамоқ; **~ моне́ту** *уст.* танга (пул) зарб қилмоқ; ✦ **~ в глаза́** кўзга яққол ташланмоқ, кўриниб турмоқ; **~ набо́т** (или **тревО́гу**) *см.* **набо́т**; **~ отбо́й** *см.* **отбо́й**; **~ по карма́ну** чўнтакка зиён етказмоқ, ҳамённи ўпирмоқ; **~ по самолю́бию** иззат-нафсига тегмоқ; **~ по рука́м** *см.* **рука́**; **~ в (одну́) то́чку** бутун кучини бир мақсадга йўналтирмоқ, кучни бир нарсага қаратмоқ; **~ ключо́м** *см.* **ключ** II; **~ баклу́ши** *см.* **баклу́ши**; **~ скля́нки** *см.* **скля́нка**; **~ челО́м** *см.* **челО́**; **~ че́рез край** *см.* **край**.

БИ́ТЬЕ *с по гл.* **бить** 2, 7; **~ посу́ды** идиш синдириш.

БИ́ТЬСЯ, бьюсь, бьёшься; бе́йся, бе́йтесь *несов.* 1 *обо что* урилмоқ, тегмоқ; **во́лны бью́тся о бе́рег** тўлқин қирғоққа урилмоқда; 2 *с кем-чем* уришмоқ, олишмоқ, ёқалашмоқ, жанг қилмоқ; **~ с врагО́м** душман билан жанг қилмоқ; **~ на шпа́гах** қилич билан жанг қилмоқ, қиличбозлик қилмоқ; **~ на поди́нке** яккама-якка уришмоқ; дуэлда олишмоқ; 3 тепмоқ, урмоқ (юрак, томир ҳақида); **се́рдце бьётся** юрак тепмоқда; 4 титрамоқ, қалтирамоқ, типирчиламоқ; тутмоқ; **~ в припа́дке** тутқаноғи тутиб қолмоқ, тутқаноғи тутиб типирчиламоқ; 5 *перен. над чем* тиришмоқ, ҳаракат қилмоқ, уринмоқ, зўр бермоқ; **~ над реше́нием зада́чи** масалани ечишга уринмоқ, масалани ечиш устида бош қотирмоқ; 6 синадиган бўлмоқ, синмоқ, пачоқ бўлмоқ; **фарфО́р легкО́ бьётся** чинни осонгина синади; 7 *страд. от* **бить** 4, 7; ✦ **~ об заклА́д** гаров ўйнамоқ, гаров (баҳс) боғлашмоқ; **~ как ры́ба об лёд** бекорга овора бўлмоқ, беҳуда уринмоқ; **~ головО́й о сте́ну** бекорга овора бўлмоқ (уринмоқ); ўзини ҳар ёққа урмоқ.

БИТЮ́Г *м, р.* **-а́** аравакаш от; зотли катта от.

БИФШТЕ́КС *м* бифштекс.

БИФУРКА́ЦИЯ *ж книжн.* иккига айрилиш, икки ёққа, икки тармоққа айрилиб кетиш (дарё, қон томири, йўл ва ҳ. к. ҳақида).

БИЦЕ́ПС *м* бицепс (икки бошли мускул, елка билан тирсакни ҳаракатлантирадиган мушак).

БИЧ *м, р.* **-а́** 1 узун қамчи, дарра; **хло́пать ~О́м** қамчини тарсиллатмоқ; 2 *перен. кого-чего* или *чей* қамчи, тиғ, наштар; **~ сати́ры** сатира қамчиси (наштари). 3 *перен. кого-чего* офат, бало; **гармсе́ль — ~ расте́ний** гармсел ўсимликлар учун офатдир

БИЧЕ́ВАТЬ, -чу́ю, -чу́ешь *несов. кого-что книжн.* қамчиламоқ, саваламоқ, калтакламоқ, дарра урмоқ; 2 *перен.* қаттиқ танқид қилмоқ, фош қилмоқ, очиб ташламоқ; **~ недоста́тки** камчиликларни очиб ташламоқ.

БИШЬ *частица разг. уст.* ҳа, ҳалиги, айтганча, айтмоқчи; **как ~ его́ зову́т?** айтганча, унинг оти нима эди?; ✦ **то ~** деганим, демоқчи эдим (хато айтилган гапни тўғрилаш учун ишлатилади).

БЛА́Г/О 1 *с* 1 *высок.* яхшилик, эзгулик; эсон-омонлик; бахт-саодат, манфаат; **о́бщее ~о** умумий манфаат; **на ~о Ро́дины** Ватанимизнинг равнақи (бахт-саодати) учун; 2 *мн.* **~а** *чего* или *какие* фаровонлик, бойлик, нозу-неъмат; **земны́е ~а** дунёвий неъматлар; **материа́льные ~а** моддий бойликлар; 3 *в знач. сказ.* жуда яхши бўлди; яхшики, яхшиямки, ҳайрият; **~о, что установи́лась хоро́шая пого́да** об-ҳаво тузалгани жуда яхши бўлди; ҳайрият, об-ҳаво яхши бўлиб қолди; ✦ **всех ~!** хайр, эсон бўлинг; хайр, яхши қолинг!; **ни за каки́е ~а** тилла ёғдирсанг ҳам!

БЛА́ГО II *союз разг.* модомики, ...экан, ...дан кейин; **бери́, ~ дало́** берганни олиб қол, бергандан кейин олавер; бераннинг юзига қарама.

БЛАГОВЕ́РНАЯ *ж, р.* **-ой** *разг. шутл.* рафиқа, завжа, хотин, жуфти ҳалол.

БЛАГОВЕ́РНЫЙ *м, р.* **-ого** *разг. шутл.* эр, рафиқ, жуфти ҳалол.

БЛАГОВЕСТ *м уст.* ибодатга чорловчи қўнғироқ овози.

БЛАГОВЕСТИ́ТЬ, -ещу, -естишь *несов. уст.* 1 ибодатга чақириб қўнғироқ чалмоқ; 2 *перен. разг.* гап тарқатмоқ, овоза қилмоқ, жар солмоқ.

www.ziyouz.com kutubxonasi

БЛАГОВИ́ДНЫЙ, -ая, -ое; -ден, -дна 1 *уст.* кўҳли, ёқимли; кўркам; нуроний, салобатли; 2 дуруст, тузук, яхши, қулай; ~ **предло́г** дуруст баҳона; қулай (ўринли) баҳона.

БЛАГОВОЛЕ́НИЕ *с уст.* марҳамат, мурувват, илтифот, хайрихоҳлик, навозиш; **по́льзоваться** *чьим-л.* ~м бировнинг марҳаматидан фойдаланмоқ, илтифотидан баҳраманд бўлмоқ.

БЛАГОВОЛИ́Т/Ь *несов. уст.* 1 *к кому* марҳамат қилмоқ, мурувват кўрсатмоқ, лутф (илтифот, навозиш) қилмоқ; хайрихоҳлик кўрсатмоқ; 2 *пов.* ~е *с неопр.* лозим кўрмоқ (топмоқ); ~е марҳамат қилиб (ҳурмат билан қилинган илтимосни ифодалайди); ~е **оплати́ть квита́нцию** квитанция бўйича пул тўлашингизни илтимос қиламан; марҳамат қилиб квитанция бўйича пулни тўласангиз.

БЛАГОВО́НИ/Е *с* 1 *книжн.* хушбўй(муаттар) ис, хушҳид; 2 *мн.* ~я *уст.* хушбўй моддалар, муаттар нарсалар.

БЛАГОВО́ННЫ/Й, -ая, -ое книжн. хушбўй, хушҳид, муаттар; ~е **куре́ния** хушбўй тутатқилар.

БЛАГОВОСПИТА́ННЫЙ -ая, -ое яхши тарбия кўрган, тарбияли, одобли, хушахлоқ; ~ **челове́к** одобли одам.

БЛАГОВРЕ́МЕНИ/Е *с:* **во** ~и *разг. шутл.* ўз вақтида, қулай пайтда, ўнғай фурсатда.

БЛАГОВРЕ́МЕННЫЙ, -ая, -ое; -нен, -нна *уст. то же, что* **своевре́менный**.

БЛАГОГЛУ́ПОСТЬ *ж ирон.* жиддий тус билан айтилган аҳмоқона гап; ибратли аҳмоқлик.

БЛАГОГОВЕ́ЙНО *нареч.* ҳурмат билан, эҳтиром билан, эъзозлаб.

БЛАГОГОВЕ́ЙНЫЙ, -ая, -ое; -е́ен, -е́йна иззат-ҳурматни ифодалайдиган, ҳурматли, иззатли, эъзозли, азиз.

БЛАГОГОВЕ́НИЕ *с* ортиқ даражадаги ҳурмат, иззат-икром, азиз кўриш; с ~м иззат-икром билан, эъзозлаб.

БЛАГОГОВЕ́ТЬ *несов. перед кем-чем* ортиқ даражада ҳурмат этмоқ, иззат-икром қилмоқ, азиз кўрмоқ, эъзозламоқ; ~ **пе́ред произведе́ниями кла́ссиков** классиклар асарларини эъзозламоқ.

БЛАГОДАРЕ́НИЕ *с уст.* миннатдорчилик, ташаккур; шукур қилиш; ~ **бо́гу** худога шукур.

БЛАГОДА́Р/ИТЬ *несов.* (*сов.* **поблагодари́ть**) *кого-что* ташаккур изҳор этмоқ, миннатдорчилик билдирмоқ, раҳмат айтмоқ; ~**ю вас!** сизга миннатдорчилик билдираман!

БЛАГОДА́РНО *нареч.* миннатдорчилик билан.

БЛАГОДА́РНОСТ/Ь *ж* 1 раҳмат, ташаккур, миннатдорлик, миннатдорчилик; **приня́ть с** ~**ью** миннатдорлик билан қабул қилмоқ; **чу́вствовать** ~ь миннатдорлик ҳис қилмоқ; миннатдор бўлмоқ; **вы́разить** ~ь миннатдорчилик билдирмоқ, раҳмат айтмоқ; 2 *мн.* ~и *разг.* миннатдорлик сўзлари, раҳматлар; **рассыпа́ться в** ~**ях** қайта-қайта раҳматлар айтмоқ; 3 ташаккур, ташаккурнома; **объяви́ть** ~ь **пе́ред стро́ем** саф олдида ташаккур эълон қилмоқ, ташаккур билдирмоқ.

БЛАГОДА́Р/НЫЙ, -ая, -ое; -рен, -рна 1 яхшиликни билувчи (билдирувчи, ифодаловчи); миннатдор; **быть** ~**ным** *кому-л.* миннатдор бўлмоқ; **я вам о́чень** ~**ен** (~ **на**) сизга катта раҳмат, сиздан миннатдорман; ~**ный взгляд** миннатдорлик билан қараш, миннатдор қараш; 2 *перен.* яхши натижа берадиган, самарали, баракали; ~**ый труд** самарали меҳнат; ~**ая те́ма для расска́за** ҳикоябоп мавзу, яхши ҳикоя бўладиган тема.

БЛАГОДА́РСТВЕНН/ЫЙ, -ая, -ое *высок. уст.* миннатдорчилик ифодаловчи; миннатдорлик...; ~**ые слова́** миннатдорлик сўзлари; ~**ое письмо́** миннатдорчилик баён этилган хат, ташаккурнома.

БЛАГОДАРЯ́ *предлог с дат.* туфайли, сабабли, орқасида, натижасида, шарофати билан; ~ **вам** сиз туфайли; сизнинг орқангиздан, сизнинг шарофатингиз билан; ~ **хоро́шему ухо́ду он вы́здоровел** яхши парвариш туфайли у соғайиб кетди; ✦ ~ **тому́ что** *союз* шу сабабдан, шу туфайли, шунинг натижасида.

БЛАГОДА́ТН/ЫЙ, -ая, -ое; -тен, -тна ноз-неъматларга бой, сернеъмат, баракатли, фаровон, роҳатбахш, оромбахш, ҳузурли; ~**ый край** ноз-неъматларга бой жой; фаровон ўлка; ~**ый кли́мат** роҳатбахш иқлим; ~**ая тишина́** оромбахш сукунат, роҳатбахш жимлик.

БЛАГОДА́ТЬ *ж* 1 *рел.* худонинг марҳамати; ~ **низошла́** *на кого-л.* худо марҳамат қилди; 2 *в знач. сказ. разг.* роҳат, фароғат, ҳузур; **кака́я тут** ~**!** бу ер қандай роҳат!; ✦ ~ **в до́ме (в хоя́йстве)** уйда (хўжаликда) фаровонлик, ҳамма нарса бадастир.

БЛАГОДЕ́НСТВЕННЫЙ, -ая, -ое *уст.* тинч-хотиржам, осойишта, роҳат-фароғатли; омон-эсон.

БЛАГОДЕ́НСТВИЕ *с уст.* тинч ҳаёт, тинчлик, хотиржамлик, соғ-саломатлик, роҳат-фароғат.

БЛАГОДЕ́НСТВОВАТЬ *несов.* тинч, омон-эсон бўлмоқ, роҳатда, ҳузур-ҳаловатда яшамоқ, шод-хуррам кун кечирмоқ.

БЛАГОДЕ́ТЕЛЬ *м уст.* и *ирон.* мурувват кўрсатувчи, яхшилик қилувчи, валинеъмат.

БЛАГОДЕ́ТЕЛЬНИЦА *ж см.* **благоде́тель**.

БЛАГОДЕ́ТЕЛЬНЫЙ, -ая, -ое; -лен, -льна 1 *книжн.* фойдали, баракали, ижобий; ~ **кли́мат** фойдали иқлим; хушҳаво жой; 2 *уст.* мурувватли, ҳимматли; хайрли.

БЛАГОДЕ́ТЕЛЬСТВОВАТЬ *несов. кому уст.* мурувват қилмоқ, ҳиммат қилмоқ, ёрдам бермоқ, кўмаклашмоқ; хайр-эҳсон қилмоқ.

БЛАГОДЕ́ЯНИЕ *с уст.* мурувват, ҳиммат, яхшилик, эзгулик, хайр-саховат.

БЛАГОДУ́ШЕСТВОВАТЬ *несов.* яхши кайфиятда бўлмоқ, хурсандлик билан вақт ўтказмоқ, хурсандликдан кўнгли юмшамоқ, эримоқ.

БЛАГОДУ́ШИЕ *с* яхши кайфият, вақтичоғлик, хурсандлик; бепарволик; кўнгилчанлик, мулойимлик.

БЛАГОДУ́ШН/ЫЙ, -ая, -ое; -шен, -шна яхши кайфиятдаги, вақтичоғ, хурсанд, бепарво; кўнгилчан, мулойим; ~**ая улы́бка** мулойим табассум; **быть в** ~**ом настрое́нии** яхши кайфиятда бўлмоқ, хурсанд (вақтичоғ, димоғи чоғ) бўлмоқ.

БЛАГОЖЕЛА́ТЕЛЬ *м уст.* бошқаларга яхшилик истовчи одам, хайрихоҳ, меҳрибон.

БЛАГОЖЕЛА́ТЕЛЬНИЦА *ж уст. см.* **благожела́тель**.

БЛАГОЖЕЛА́ТЕЛЬНОСТЬ *ж* яхшилик истаги, оққўнгиллик, хайрихоҳлик, меҳрибонлик.

БЛАГОЖЕЛА́ТЕЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое; -лен, -льна бошқаларга яхшилик истовчи, хайрихоҳ, меҳрибон, оққўнгил; ~**ый челове́к** оққўнгил одам; ~**ое отноше́ние** яхши муносабат, меҳрибонлик; хайрихоҳлик; ~**ый о́тзыв** хайрихоҳона баҳо.

БЛАГОЗВУ́ЧИЕ *с* хушовозлик, хушоҳанглик, оҳангдорлик, ёқимлилик.

БЛАГОЗВУ́ЧНОСТЬ *ж то же, что* **благозву́чие**.

БЛАГОЗВУ́ЧНЫ/Й, -ая, -ое; -чен, -чна қулоққа ёқадиган, ёқимли, хушовоз, хушоҳанг, оҳангдор; ~**е стихи́** хушоҳанг шеър, оҳангдор шеър.

БЛАГ/О́Й, I, -а́я, -о́е *уст.* яхши, эзгу; фойдали; ~**и́е наме́рения** эзгу ниятлар, яхши тилаклар; ~**и́е поры́вы** яхши ҳаракат, фойдали интилишлар; ✦ ~**ю́ часть избра́ть** энг яхши қарор қабул қилмоқ, мувофиқ қарорга келмоқ.

БЛАГ/О́Й II: крича́ть (или **ора́ть, вопи́ть**) ~**и́м ма́том** *прост.* бор овози билан бақирмоқ, қаттиқ бақирмоқ, додламоқ.

БЛАГОЛЕ́ПИЕ *с книжн. уст.* хушбичимлилик, кўркамлик, басавлатлилик, келишганлик.

БЛАГОЛЕ́ПНЫЙ, -ая, -ое; -пен, -пна *книжн. уст.* кўркам, басавлат, хушбичим, келишган.

БЛАГОМЫ́СЛЯЩИЙ, -ая, -ее *уст.* 1 ақли расо, ақлли, хирадманд; ~ **челове́к** ақли расо одам; ақлли одам; 2 яхши ниятли, тўғри фикрдаги.

БЛАГОНАДЕ́ЖНОСТ/Ь *ж* 1 *книжн.* ишончлилик, инобатлилик, эътимодлилик; 2 *уст.* шубҳадан холилик, ишончлилик; **свиде́тельство о** ~**и** ишончлилиги ҳақида гувоҳнома.

БЛАГОНАДЕ́ЖН/ЫЙ, -ая, -ое; -жен, -жна 1 *книжн.* ишонса бўладиган, ишончли, инобатли, эътимодли; мўътабар; умидбахш; 2 *уст.* шубҳадан холи, ишончли (чор Россиясидаги тузумга нисбатан); ✦ **бу́дьте** ~**ы** *уст.* хавотир бўлманг, хотиржам бўлинг, ишонаверинг, кўнглингиз тўқ бўлсин.

БЛАГОНАМЕ́РЕННОСТЬ *ж уст.* яхши (эзгу) ниятлилик, нияти холислик, беғаразлилик.

www.ziyouz.com kutubxonasi

БЛАГОНАМЕ́РЕННЫЙ, -ая, -ое *уст.* 1 яхши (эзгу) ниятли, нияти холис; яхши (эзгу) ният билан қилинган, беғараз; 2 яхши ниятли (чор Россиясидаги тузумга нисбатан).

БЛАГОНРАВИЕ *с уст.* яхши хулқ-одоб, одоблилик, хушахлоқлик, хушфеъллик.

БЛАГОНРА́ВНЫЙ, -ая, -ое; -вен, -вна *уст.* одобли, ахлоқли, хушахлоқ, хушфеъл.

БЛАГООБРАЗИЕ *с* хушбичимлилик, келишганлик, истараси иссиқлик; салобатлилик, салобат, файз.

БЛАГООБРАЗНЫЙ, -ая, -ое; -зен, -зна хушбичим, келишган, истараси иссиқ; салобатли, файзли, ёқимли; **~ ста́рец** салобатли қария, файзли чол.

БЛАГОПОЛУ́ЧИЕ *с* эсон-омонлик, тинчлик, хотиржамлик, соғ-саломатлик, бардамлик; беҳбудлик, бахт-саодат; **материа́льное ~е** моддий жиҳатдан таъминлик; фаровонлик; **пожела́ть ~я** эсон-омонлик (тинчлик-хотиржамлик) тиламоқ; бахт-саодат тиламоқ.

БЛАГОПОЛУ́ЧНО *нареч.* 1 бешикаст, эсон-омон, соғ-саломат; хотиржамлик билан; **~ доста́вить** бешикаст (эсон-омон) етказиб бермоқ; **~ добра́ться до до́ма** уйга эсон-омон етиб бормоқ; уйга соғ-саломат келмоқ; 2 муваффақиятли равишда, муваффақият билан, муваффақиятли, яхши; **опе́рация прошла́ ~** операция яхши ўтди;

✦ **всё ~ *где*** или ***у кого*** ҳаммаси яхши, ҳаммаси жойида.

БЛАГОПОЛУ́ЧНЫЙ, -ая, -ое; -чен, -чна 1 яхши (бешикаст) бўлган, эсон-омон, соғ-саломат, бардам, беҳбуд, бахайр; 2 муваффақиятли, оқибати яхши, кўнгилдагидек; **~ коне́ц** оқибати яхши (бахайр) бўлиш, муваффақият билан тугаш, кўнгилдагидек натижа.

БЛАГОПРИОБРЕ́ТЕНИЕ *с* 1 ўз меҳнати билан топиш, пешана тери билан (тер тўкиб) орттириш, эришиш; 2 ўз меҳнати билан топилган пул, мол, пешана тери билан (тер тўкиб) орттирилган, эришилган нарса.

БЛАГОПРИОБРЕ́ТЕННЫЙ, -ая, -ое ўз меҳнати билан топилган, пешана тери билан (тер тўкиб) орттирилган, эришилган; пешана тери; наслий эмас; **~ое иму́щество** ўз меҳнати билан топилган мулк, ўз меҳнати билан орттирилган мол-дунё; **~ая боле́знь** наслда бўлмаган (яъни кейин юқтирилган, орттирилган) касаллик.

БЛАГОПРИСТО́ЙНО *нареч. книжн.* одоб билан, одоб сақлаб, одоб-ахлоқ чегарасидан чиқмасдан; **вести́ себя́ ~** ўзини тута билмоқ, одоб сақламоқ.

БЛАГОПРИСТО́ЙН/ЫЙ, -ая, -ое; -о́ен, -ойна *книжн.* одоб-ахлоқ доирасидаги, одоб-ахлоқ чегарасидан чиқмасдан (одоб сақлаб) қилинган; одобли; жўяли, мақбул; **~ое поведе́ние** одоб-ахлоқ чегарасидан чиқмаслик, одоб сақлаш.

БЛАГОПРИЯ́ТНО *нареч.* маъқул (мақбул) тарзда, яхши, қулай, ижобий; **~ поде́йствовать** яхши (ижобий) таъсир кўрсатмоқ.

БЛАГОПРИЯ́ТН/ЫЙ, -ая, -ое; -тен, -тна 1 яхши (ижобий) таъсир кўрсатадиган, ёрдам берадиган, мувофиқ, қулай; **~ый слу́чай** қулай фурсат; **~ая пого́да** қулай (мувофиқ) об-ҳаво; **при ~ых обстоя́тельствах** қулай фурсат (мувофиқ шароит) туғилганда; 2 маъқул, мақбул, кўнгилдагидек, ижобий; **~ый о́тзыв** ижобий тақриз, ижобий баҳо.

БЛАГОПРИЯТСТВОВАНИ/Е *с по гл.* **благоприя́тствовать; прин́цип** (или **режи́м**) **наибо́льшего ~я** мумкин қадар қулайлик бериш (имкон туғдириш) принципи, режими (халқаро савдода).

БЛАГОПРИЯТСТВОВА/ТЬ *несов. кому-чему* ёрдам (қулайлик, ўнғайлик) бермоқ, қулайлик (имкон) туғдирмоқ, осонлаштирмоқ, қўл келмоқ; **усло́вия ~ ли выполне́нию зада́ния** шарт-шароит топшириқни бажаришга ёрдам берди (имкон туғдирди).

БЛАГОРАЗУ́МИЕ *с* ақл билан иш қилиш, ўйлаб иш қилиш, мулоҳазакорлик, эҳтиёткорлик.

БЛАГОРАЗУ́МНО *нареч.* ақл билан, ўйлаб, ақл ишлатиб, мулоҳаза қилиб; эҳтиёт-шарт; **~ умолча́ть** *о чём-л.* бирор нарса ҳақида эҳтиёт-шарт оғиз очмаслик.

БЛАГОРАЗУ́МНЫЙ, -ая, -ое; -мен, -мна ўйлаб (ақл билан) иш қиладиган, ақлли, доно, мулоҳазали, эҳтиёткор; **~ челове́к** ўйлаб (ақл билан) иш қиладиган одам; **~ сове́т** ақлли маслаҳат; доно маслаҳат.

БЛАГОРАСПОЛОЖЕ́НИЕ *с уст.* кўнгли яқинлик, мойиллик, илтифот.

БЛАГОРАСПОЛОЖЕ́Н/НЫЙ, -ая, -ое *уст.* кўнгли яқин, мойил, илтифотли; **он ~ ко мне** унинг кўнгли менга мойил (яқин); у менга илтифот билан қарайди.

БЛАГОРАСТВОРЕ́НИЕ *с:* **~ возду́хов** *уст. шутл.* соф (мусаффо, беғубор) ҳаво; ёқимли (баҳр-дилни очадиган) ҳаво.

БЛАГОРО́ДИЕ *с уст.* жаноб, жаноблари (штабс-капитандан қуйи офицерларга ва уларга тенг унвонли амалдорларга мурожаатда **«его»**, **«ваше»**, **«их»** олмошлари билан бирга ишлатилган унвон); **ва́ше ~** (сиз) жаноблари.

БЛАГОРО́ДНО *нареч.* олижаноблик билан, ҳиммат билан, виждонан; мардонавор; **поступи́ть ~** олижаноблик қилмоқ (кўрсатмоқ); олижаноблик билан бирор иш-ҳаракат қилмоқ.

БЛАГОРО́ДН/ЫЙ, -ая, -ое; -ден, -дна 1 олижаноб, олийҳиммат, ҳимматли, виждонли, пок, мард, мардонавор; **~ый посту́пок** олижаноб иш, мардонавор ҳаракат; **~ый челове́к** олижаноб инсон, олийҳиммат одам, яхши одам; **~ый хара́ктер** яхши хулқ, яхши феъл-атвор; 2 улуғвор, улуғсифат, салобатли, ғоят гўзал; **~ая отде́лка** салобатли безак; улуғсифат зийнат; 3 *уст.* аслзот, аслзода, таг-тугли, насл-насаби яхши, зотли, зодагон; 4 *в знач. сущ.* **~ый** *м* аслзот (аслзода) киши; **~ая** *ж* аслзот (аслзода) аёл; 5 баъзи ҳайвонлар ва ўсимликлар номи таркибига киради. **~ый оле́нь** асл буғу;

✦ **~ые мета́ллы** асл металлар (олтин, кумуш, платина); **~ые га́зы** асл газлар (гелий, аргон, ксенон ва ш. к.).

БЛАГОРО́ДСТВО *с* 1 олижаноблик, олийҳимматлик, виждонлилик, поклик, мардлик, мардонаворлик; **~ посту́пков** иш-ҳаракатларнинг олижаноблиги; **~ души́** кўнгилнинг поклиги; 2 улуғворлик, улуғсифатлик, салобатлилик, гўзаллик, салобат; **~ сти́ля** услубнинг улуғсифатлилиги; 3 *уст.* аслзотлик, аслзодалик, зодагонлик.

БЛАГОСКЛО́ННО *нареч.* хайрихоҳлик билан, мойиллик (яқинлик) билан, илтифот билан, лутфан; ўзини яқин олиб; ёқлаб; **~ относи́ться** *к кому-л.* хайрихоҳлик билан қарамоқ, лутф қилмоқ.

БЛАГОСКЛО́ННОСТЬ *ж* хайрихоҳлик, мойиллик, кўнгли яқинлик, майл, лутф; тарафдорлик; **по́льзоваться** *чьей-л.* **~ю** хайрихоҳлигидан фойдаланиб турмоқ; яқинлигидан фойдаланмоқ; **заслужи́ть** *чью-л.* **~** илтифотига сазовор бўлмоқ.

БЛАГОСКЛО́НН/ЫЙ, -ая, -ое; -нен, -нна 1 хайрихоҳ, мойил, кўнгли яқин, илтифотли; тарафдор; **~ый чита́тель** илтифотли китобхон; **Весь го́род узна́л, что Короле́нко благоскло́нен ко мне** (М. Горький) Бутун шаҳар Короленконинг менга мойил (Короленко менинг тарафимда) эканлигини билиб олди; 2 хайрихоҳлик (мойиллик) ифодаловчи, илтифотли, хайрихоҳона; **~ая улы́бка** илтифотли табассум; **~ый взгляд** хайрихоҳона кўз ташлаш, мойил қараш.

БЛАГОСЛОВЕ́НИ/Е *с* 1 *по гл.* **благослови́ть**; 2 дуо, оқ фотиҳа; 3 *разг. шутл.* розилик, ижозат, маъқуллаш; *с чьего-л.* **~я** кимсанинг ижозати (розилиги) билан; 4 *уст.* тинчлик-омонлик, марҳамат; **~е алла́ха** худонинг марҳамати; 5 *уст.* миннатдорлик, шукрона; мақтов; **~е судьбе́** тақдир шукронаси, тақдирга шукур қилиш.

БЛАГОСЛОВЕ́НН/ЫЙ, -ая, -ое 1 *уст.* худо марҳамат қилган, худо сийлаган, худонинг марҳаматига сазовор бўлган (лойиқ); 2 *высок.* бахтли, ҳузур-ҳаловатли, бахтиёр; **~ая страна́** бахтли мамлакат, бахтиёр ўлка.

БОЛТА́/ТЬСЯ *несов.* **1** *разг.* чайқалмоқ; **молоко́ ~ется в бидо́не** бидонда сут чайқалаяпти (чайқалиб кетяпти); **2** *разг.* осилиб турмоқ, ликилламоқ, лапангламоқ, силкинмоқ, тебранмоқ; **на верёвке ~лось бельё** арқонга осилган кийимлар силкиниб (лапанглаб) турарди; **3** *на ком-чём* ҳалпиллаб турмоқ (кийим ҳақида); **сапоги́ ~ются на нога́х** этик оёқларда ҳалпиллаб турибди (жуда кенг); **4** *прост.* сандироқлаб юрмоқ, бекор юрмоқ; **где вы ~лись?** қаерда сандироқлаб юрган эдингиз?

БОЛТЛИ́ВОСТЬ *ж* **1** сергаплик, эзмалик, вайсақилик; **2** сир сақлай олмаслик, оғзи бўшлик.

БОЛТЛИ́ВЫЙ, -ая, -ое сергап, эзма, вайсақи; **2** сир сақлай олмайдиган, оғзи бўш.

БОЛТОВН/Я *ж разг.* бекорчи гап, сафсата, вати-кути; **занима́ться ~ёй** сафсата сотмоқ, бекорчи гаплар билан овора бўлмоқ.

БОЛТОВ/О́Й, -а́я, -о́е болғли; болт...; **~ы́е соедине́ния** болтли бирикмалар; **~а́я га́йка** болт гайкаси.

БОЛТУ́Н I *м, р.* **-а́** *разг.* **1** сергап одам, эзма, вайсақи; сафсатабоз; **2** ичида гап ётмайдиган одам, оғзи бўш одам.

БОЛТУ́Н II *м, р.* **-а́** палағда тухум.

БОЛТУНИ́ШКА *м* и *ж, р. мн.* **-шек** *уменьш. от* **болту́н I.**

БОЛТУ́НЬЯ *ж, р. мн.* **-ний** *см.* **болту́н I.**

БОЛТУ́ШКА I *ж, р. мн.* **-шек** *разг. уменьш.-ласк. от* **болту́н I** и **болту́нья.**

БОЛТУ́ШКА II *ж, р. мн.* **-шек** *разг.* **1** сутга тухум қориб тайёрланган овқат, қуймоқ; **2** буламиқ, атала; **3** аралаштиргич, қоргич.

БО́ЛЬ *ж* оғриқ, дард, алам; зирқираш; **зубна́я ~** тиш оғриғи; **головна́я ~** бош оғриғи; **причини́ть ~** 1) оғритмоқ; 2) ранжитмоқ, озор бермоқ, алам етказмоқ; **успоко́ить ~** оғриқни босмоқ (қолдирмоқ, тўхтатмоқ); **с ~ю в душе́** дард-алам билан, юраги ачиб (ачишиб), юракдан куйиб.

БОЛЬНИ́ЦА *ж* касалхона, шифохона.

БОЛЬНИ́ЧКА *ж разг.* кичкина касалхона, касалхоначча; **поселко́вая ~** қишлоқ касалхоначаси.

БОЛЬНИ́ЧН/ЫЙ, -ая, -ое касалхонага, шифохонага оид; касалхонадаги; касалхона...; касаллик...; **~ая ко́йка** касалхона койкаси; **~ый режи́м** касалхона режими; касалхонадаги режим; ✦ **~ый лист(о́к)** касаллик варақаси.

БО́ЛЬНО I 1 *нареч.* оғритиб, азоб бериб; озор тортиб; **~ уда́рить** оғритиб урмоқ, уриб оғритмоқ; **~ уда́рить по голово́й** бошини уриб олиб оғритмоқ, бошини қаттиқ уриб олмоқ; **2** *безл. в знач. сказ. кому-чему* оғрияпти, оғриб кетди (кетяпти), зирқираб кетди (кетяпти); **оғир, ич ачийди, алам қилади; руке́ ~** қўлим оғрияпти; **мне ~ ви́деть его́ муче́ния** унинг азобланаётганини кўриб ичим ачиб кетяпти; унинг азобланаётганлигини кўриш менинг учун оғир; ✦ **сде́лать ~** *кому* алам қилдирмоқ, ичини ачитмоқ, куйдирмоқ.

БО́ЛЬНО II *нареч. прост.* жуда, жуда ҳам, ниҳоят даражада, ғоят; **~ дёшево** жуда арзон; **~ мно́го** ниҳоят даражада кўп.

БОЛЬН/О́Й, -а́я, -о́е; бо́лен, больна́ **1** *чем* и *без доп.* касал, хаста, бемор, бетоб, носоғ; **~о́й челове́к** касал одам; **~о́е се́рдце** касал (носоғ) юрак; **он бо́лен гри́ппом** у грипп билан оғриган, у грипп бўлиб қолибди; **2** *в знач. сущ.* **~о́й** *м* касал киши, касал, бемор; **~а́я** *ж* касал (бемор) аёл; **приём ~ы́х** касалларни қабул қилиш; **выздора́вливающий ~о́й** соғаяётган касал, тузалаётган бемор; **3** но-

www.ziyouz.com kutubxonasi

соғлом, дардчил; ~о́й **вид** носоғлом кўриниш; 4 *перен.* носоғлом, ақлдан ташқари; ~о́е **воображе́ние** носоғлом хаёл; ✦ ~о́й **вопро́с** мушкул масала, қийин (чигал) масала; ~о́е ме́сто нозик жой, қалтис жой; с ~о́й **голово́й на здоро́вую** (свали́ть, перекла́дывать и т. п.) айбни бировга тўнкамоқ (ағдармоқ).

БО́ЛЬШАК I *м, р.* -а́ *обл.* катта (асосий) йўл.

БО́ЛЬШАК II *м, р.* -а́ *обл.* оила бошлиғи, отахон.

БО́ЛЬШЕ 1 *см.* **большо́й** и **мно́го; э́тот дом ~ того́** бу уй унисидан каттароқ; **э́то мне ~ нра́вится** бу менга кўпроқ ёқади; **в два ра́за ~** икки марта катта, икки марта кўп (ортиқ); **~ всего́** ҳаммасидан ортиқ, ҳаммасидан кўра кўпроқ; **ещё ~** янада кўп; **всё ~ и ~** тобора кўп; **как мо́жно ~** иложи борича кўп, мумкин қадар кўпроқ; **не ~ чем** ...дан кўп эмас; ортиғи билан...; 2 *нареч.* энди, бундан кейин, бундан буён, сўнгра, яна, ҳозир; бундан бошқа (ташқари); иккинчи; **~ не бу́ду** иккинчи (энди) қилмайман; **~ не могу́** бундан ортиқ имкониятим йўқ; ортиқ чидолмайман, энди бўлди; **чтоб э́того ~ не́ было!** бундан буён бу иш (қилиқ, ҳаракат ва ҳ. к.) қайтарилмасин; **здесь ~ де́лать не́чего** бу ерда бошқа қиладиган иш йўқ (қолмади); **он у нас ~ не рабо́тает** у ҳозир бизда ишламайди; 3 *нареч. разг.* кўпроқ, аксари, асосан; **шли мы ~ ле́сом** биз кўпроқ (асосан) ўрмондан бордик; **чита́ем ~ худо́жественную литерату́ру** кўпроқ (аксари) бадиий адабиёт ўқиймиз ✦ ~ **того́** унинг (бунинг) устига; устига устак; **ни ~ (и) ни ме́ньше как...** кўп ҳам эмас, оз ҳам эмас; ортиқ ҳам эмас, кам ҳам эмас, худди...

БОЛЬШЕВИЗА́ЦИЯ *ж, ист.* большевиклаштириш; большевиклашиш.

БОЛЬШЕВИЗИ́РОВАТЬ *сов.* и *несов. кого-что* большевиклаштирмоқ, большевизм ғояларини сингдирмоқ.

БОЛЬШЕВИЗИ́РОВАТЬСЯ 1 *сов.* и *несов.* большевиклашмоқ; 2 *несов. страд. от* **большевизи́ровать.**

БОЛЬШЕВИ́ЗМ *м* большевизм.

БОЛЬШЕВИ́К *м, р.* -а́ большевик, большевизм тарафдори.

БОЛЬШЕВИ́СТСК/ИЙ, -ая, -ое большевизмга ва большевикларга оид; большевизм руҳидаги, большевистик; большевикларча, большевикчасига; **большевик(лар)...; ~ий сти́ль рабо́ты** большевикларча ишлаш усули, большевистик иш услуби; **~ая па́ртия** большевистик партия, большевиклар партияси; **~ая бди́тельность** большевикларча ҳушёрлик, большевикларга хос сергаклик.

БОЛЬШЕВИ́ЧКА *ж, р. мн.* **-чек** большевик аёл.

БОЛЬШЕГЛА́ЗЫЙ, -ая, -ое кўзи катта, каттакўз.

БОЛЬШЕГОЛО́ВЫЙ, -ая, -ое боши катта, калласи катта, хумкалла, каллахум; **~ буту́з** боши катта бақалоқ бола.

БОЛЬШЕГРУ́ЗНЫЙ, -ая, -ое оғир юк кўтарадиган; кўп юк оладиган (ортиладиган); кўп юк ташишга мўлжалланган, оғир юкли; **~ соста́в** оғир юкли состав; **~ автомоби́ль** кўп юк оладиган (ортиладиган) автомобиль.

БО́ЛЬШ/ИЙ, -ая, -ее *см.* **большо́й** и **вели́кий; ~ая часть** *чего-л.* кўп қисми, катта қисми; аксарияти; **с ещё ~ им упо́рством** янада катта қунт ва матонат билан; ✦ ~**ей ча́стью** или **по ~ей ча́сти** кўпинча, кўпроқ, аксари; **са́мое ~ее** кўп деганда, энг кўпи, ортиғи билан.

БОЛЬШИНСТВ/О́ *с* аксарият, кўпчилик, кўпи, кўпчилиги, кўп қисми, кўпчилик қисми; **подавля́ющее ~о́** кўпчилик, мутлақ кўпчилик; **~о́ голосо́в** кўпчилик овоз, овознинг кўпчилиги; ✦ **в ~е́ слу́чаев** кўпинча, кўп ҳолларда.

БО́ЛЬШ/ОЙ, -а́я, -о́е; бо́льше и **бо́льший** 1 катта, улкан, азим, йирик, зўр; **~а́я семья́** катта оила; **~о́й дом** катта уй; **~о́й кусо́к** катта бўлак, йирик парча; **~о́е по́ле** катта (кенг) дала; **~а́я река́** катта (азим) дарё; **~и́е глаза́** катта кўзлар; **~а́я ось э́ллипса** эллипснинг катта ўқи; 2 кўп, талай, хийла, катта; **~о́й вы́бор това́ров** хили кўп (хилма-хил) моллар; **~и́е де́ньги** катта пул, кўп пул (маблағ); **~и́е поте́ри** катта талафот; 3 катта, кучли, шиддатли, қаттиқ, зўр; **~о́й моро́з** қаттиқ совуқ; **с ~и́м трудо́м** катта қийинчилик билан, зўрға, эранг; **с ~и́м удово́льствием** зўр иштиёқ билан; бажону дил; 4 улкан, йирик, катта, зўр, катта аҳамиятга эга бўлган; **~о́й писа́тель** йирик ёзувчи; **~а́я побе́да** катта (улкан) ғалаба; **~а́я по́льза** катта фойда; **~о́й вопро́с** катта масала, муҳим масала; зўр аҳамиятга эга бўлган масала; 5 *разг.* вояга етган, бўйи етган, катта; **ты уже́ ~о́й ма́льчик** сен энди катта боласан; 6 *в знач. сущ.* **~и́е** *мн. разг.* катталар; **~и́е ушли́, а де́ти оста́лись до́ма** катталар кетишди, болалар эса уйда қолишди; 7 жуда кўп, беҳисоб; улкан; **~а́я нефть Сиби́ри** Сибирнинг улкан нефти; **~о́й хло́пок Узбекиста́на** Ўзбекистоннинг улкан (катта) пахтаси; 8 сифат билдирувчи отлар билан келиб, унинг маъносини кучайтиради: катта; жуда, ўтакетган; **~о́й добря́к** жуда оққўнгил одам; **~о́й (~а́я) у́мница** жуда ақлли одам; **~о́й плут** ўтакетган қаллоб (муттаҳам) одам; ✦ **~о́й па́лец** бош бармоқ, бошмалдоқ; **~а́я бу́ква** катта ҳарф, бош ҳарф; **~а́я доро́га** *прям.* и *перен.* катта йўл; **~о́й свет** *уст. см.* **свет; ~о́й рука́** *что см.* **рука́; на ~ую но́гу** *см.* **нога́; от (с) ~о́го ума́** *см.* **ум; сам ~о́й** *уст.* ўзига-ўзи хўжайин, ўзи билади; **де́лать ~и́е глаза́** кўзини чақчайтирмоқ; ажабланмоқ, таажжубланмоқ.

БОЛЬШУЩИЙ, -ая, -ее *прост.* каттакон, жуда катта, улкан, азамат; **~ шкаф** каттакон шкаф.

БОЛЯ́ЧКА *ж, р. мн.* **-чек** *разг.* яра, яра-чақа, жароҳат.

БОЛЯЩИЙ, -ая, -ее *разг. шутл. то же, что* **больно́й** 1.

БО́МБА *ж* бомба; **зажига́тельная ~** ёндирувчи бомба; **~ замедленного де́йствия** белгиланган муддатга бориб портлайдиган бомба; **а́томная ~** атом бомбаси; **водоро́дная ~** водород бомбаси; **нейтро́нная ~** нейтрон бомба; ✦ **влете́ть бо́мбой** (или **как ~**) *разг.* ўқдек отилиб кирмоқ; **вулкани́ческая ~** вулканик бомба, вулкан бомбаси (вулкандан отилиб чиққан лава парчаси).

БОМБАРДИ́Р *м* бомбардир (1 *воен. уст.* чор армияси ва флотида: артиллериячи солдат, матрос; 2 *разг.* энг кўп тўп (шайба) урган ўйинчи (футболда, хоккейда); **лу́чший ~ сезо́на** сезонда энг кўп тўп (шайба) урган ўйинчи.

БОМБАРДИРОВА́ТЬ, -ру́ю, -ру́ешь *несов. кого-что* 1 бомбардимон (бомбардировка) қилмоқ, бомба ташламоқ, ёғдирмоқ; тўпга тутмоқ; **~ го́род** шаҳарни бомбардимон қилмоқ; 2 *перен. чем разг. ирон.* ёғдирмоқ, ёғдириб тинкасини қуритмоқ; **~ пи́сьмами** хат ёғдирмоқ, ҳадеб хат юбораверіб тинкасини қуритмоқ; **~ про́сьбами** илтимослар билан тинкасини қуритмоқ.

БОМБАРДИРО́ВКА *ж, р. мн.* **-вок** *по гл.* **бомбардирова́ть.**

БОМБАРДИРО́ВОЧН/ЫЙ, -ая, -ое бомбардимончи; бомбардировка қилувчи; **~ая авиа́ция** бомбардимончи авиация.

БОМБАРДИРО́ВЩИК *м* 1 бомбардимончи самолёт; **~ да́льнего де́йствия** узоққа учадиган бомбардимончи самолёт; **тяжёлый ~** оғир бомбардимончи самолёт; 2 *разг.* бомбардимончи учувчи.

БОМБАРДИ́РСК/ИЙ, -ая, -ое бомбардирга оид, бомбардир(лар)...; **~ая ро́та** бомбардирлар ротаси.

БОМБЁЖКА *ж, р. мн.* **-жек** *разг. по гл.* **бомби́ть.**

БОМБИ́ТЬ, -блю́, -би́шь *несов. кого-что разг.* бомба ташламоқ, бомба ёғдирмоқ.

БОМБОВО́З *м уст. то же, что* **бомбардиро́вщик** 1.

БО́МБОВЫ/Й, -ая, -ое бомбага оид; бомба...; **~й уда́р** бомбалар зарбаси; бомбардимон қилиб зарба бериш; бомбалар гумбури; **Их разбуди́ли гу́лкие ~е уда́ры** (Фадеев) Уларни бомбаларнинг гумбур-гумбури (гумбурлаган овози) уйғотиб юборди.

БОМБОДЕРЖА́ТЕЛЬ *м ав.* бомба тутқич (самолётда бомба осиб қўйиладиган мослама).

БОМБОМЁТ *м* бомбомёт (бомба отувчи тўп ёки қурилма).

БОМБОМЕТА́НИ/Е *с* бомба отиш; авиабомбалар ташлаш; **тео́рия ~я** бомба ташлаш назарияси; **прице́льное ~е** нишонга олиб бомба ташлаш; бомбани нишонга уриш.

БОМБОСБРА́СЫВАТЕЛЬ *м ав.* бомба ташлагич (тепки, ричаг).

БОМБОУБЕ́ЖИЩЕ *с* бомбапаноҳ, бомбапаноҳгоҳ.

БО́НА *ж см.* **бо́ны** 1.

БОНБОНЬЕ́РКА *ж, р. мн.* **-рок** *уст.* чиройли (бежирим) конфет коробкаси.

БОНВИВА́Н *м уст.* айш-ишратни яхши кўрадиган одам, маишатпараст.

www.ziyouz.com kutubxonasi

БОНДАРН/ЫЙ, -ая, -ое бочкасозликка оид; бочка ясайдиган, бочкасозлик...; ~**ое произво́дство** бочкасозлик корхонаси.

БОНДА́РНЯ *ж* бочкасозлик устахонаси.

БО́НДАРЬ и **БОНДА́РЬ** *м, р.* **-ря́** бочкасоз, бочка ясовчи уста.

БО́НЗА *м* 1 бонза (Японияда, Хитойда: будда динининг руҳонийси); 2 *презр.* димоғи кўтарилган амалдор.

БО́ННА *ж* бонна (бой оилаларда болаларни тарбияловчи чет эллик мураббия).

БО́НЫ I *мн. (ед.* бо́на *ж) фин* 1 бона, боналар (сақловчига маълум миқдорда фойда олишга ҳуқуқ берадиган ҳужжатлар, кредит қоғозлари); 2 муваққат қоғоз пуллар (одатда маҳаллий ҳукумат томонидан чиқарилади).

БО́НЫ II сузувчи девор, тўсиқ (дарёларда, портларда).

БОР I *м, мн.* **-ы́** қарағай ўрмони, қарағайзор; ✦ **с ~у да с со́сенки** *разг.* дуч келган жойдан, у ер-бу ердан, пойма-пой.

БОР II *м бор* (химиявий элемент).

БОР III *м* бор (тиш ковлайдиган парма).

БОРА́ и **БО́РА** *ж* тоғдан эсган кучли совуқ шамол.

БОРДО́ I *с нескл.* бордо (қизил винонинг бир нави).

БОРДО́ II *с то же, что* **бордо́вый; шля́па** ~ тўқ қизил шляпа; **пла́тье цве́та** ~ тўқ қизил кўйлак.

БОРДО́В/ЫЙ, -ая, -ое *разг.* тўқ қизил; ~**ый цвет** тўқ қизил ранг; ~**ая ска́терть** тўқ қизил дастурхон.

БОРДЮ́Р *м* ҳошия, жияк, мағиз; ~ **ковро́вой доро́жки** гилам пояндознинг ҳошияси.

БОРЕ́Н/ИЕ и **БОРЕ́НЬЕ** *с высок.* кураш; **Так жизнь скучна́, когда́ боре́нья нет** (Лермонтов) Курашсиз ҳаётнинг ҳеч қизиғи йўқ.

БОРЕ́Ц I *м, р.* **-рца́** 1 курашчи, курашувчи; **борцы́ за коммуни́зм** коммунизм учун курашувчилар; **борцы́ за мир** тинчлик курашчилари; 2 *спорт.* курашчи полвон, кураш билан шуғулланувчи спортчи.

БОРЕ́Ц II *м, р.* **-рца́** айиқтовон (сариқ, кўк ва бинафша гулли ўсимлик); ~ **джунга́рский** жунғор айиқтовони.

БОРЖО́М *м* боржом (минерал сув).

БОРЖО́МНЫЙ, -ая, -ое боржомга оид; боржомли; боржом...; ~ **исто́чник** боржом манбаи (булоғи).

БОРЗ/О́Й, -а́я, -о́е 1 тези; ~**а́я соба́ка** тези ит; ~**о́й щено́к** тези кучук, тези ит боласи; 2 *в знач. сущ.* ~**а́я** *ж* тези ит.

БОРЗОПИ́СЕЦ *м, р.* **-сца** *ирон.* чобуккалам (қалами заиф, лекин сермаҳсул ёзувчи, адиб, журналист).

БО́РЗЫЙ, -ая, -ое *уст.* и *нар.-поэт.* илдам, югурик, чопқир, учқур, бодпой, бедов; ~ **конь** чопқир от, тулпор.

БОРМАШИ́НА *ж* бормашина (тиш пармалайдиган машина).

БОРМОТА́НЬЕ *с* 1 *по гл.* **бормота́ть**; 2 ғўнғир-ғўнғир гап, овоз, тўнғиллаш.

БОРМО́ТАТЬ, -очу́, -о́чешь *несов. что* и *без доп.* минғилламоқ, ғулдурламоқ, тўнғилламоқ, тушуниб бўлмайдиган тарзда сўзламоқ; ~ **про себя́** ўзича тўнғилламоқ.

БОРМОТУ́Н *м, р.* **-а́** *разг.* минғирлаб (ғулдурлаб) гапирувчи одам, минғир-минғир одам.

БОРМОТУ́НЬЯ *ж, р. мн.* **-ний** *разг. см.* **бормоту́н.**

БО́РН/ЫЙ, -ая, -ое: ~**ая кислота́** борат кислота (кристалл ҳолидаги химиявий бирикма).

БО́РОВ I *м, мн.* **-ы** 1 ахта чўчқа; 2 *перен. прост.* бесўнақай семиз одам.

БО́РОВ II *м, мн.* **-а́** *спец.* дудбуронниинг печка ўтхонаси билан туташувчи қисми.

БОРОВИ́К *м, р.* **-а́** сқ замбуруғ.

БОРОВИ́НКА *ж, р. мн.* **-нок** боровинка (олма нави).

БОРОВ/О́Й, -а́я, -о́е қарағайзорга оид, қарағайзорда бўладиган; қарағайзор...; ~**ая дичь** қарағайзор илвасини.

БОРОД/А́ *ж, вин.* **бо́роду,** *мн.* **бо́роды,** *р.* **боро́д,** *дат.* **-а́м** 1 соқол; **отпусти́ть** ~**у** соқол қўймоқ; 2 соқол, лачак, ёл; **козли́ная** ~**а́** 1) эчки соқоли; 2) эчкисоқол; ✦ **с ~о́й** *разг.* эски, алмисоқдан қолган (латифа ва ш. к. ҳақида); **смея́ться в ~у** *уст.* иягида (мийиғида) кулиб қўймоқ, илжаймоқ.

БОРОДА́ВКА *ж, р. мн.* **-вок** сўгал, чиқиқ; буқоқ (дарахтларда).

БОРОДА́ВЧАТ/ЫЙ, -ая, -ое сўгалли, сўгал босган; сербуқоқ; ~**ые ру́ки** сўгал босган қўллар; ~**ая берёза** сербуқоқ қайин.

БОРОДА́ТЫЙ, -ая, -ое соқолли, серсоқол; ~ **мужчи́на** соқолли (серсоқол) киши; ~ **козёл** соқолли эчки.

БОРОДА́Ч I *м, р.* **-а́** *разг.* соқолли (серсоқол) одам, соқол.

БОРОДА́Ч II *м, р.* **-а́** *бот.* чайир, бузоқчирг.

БОРОДА́Ч III *м, р.* **-а** *зоол.* болтаютар (йиртқич қуш).

БОРО́ДКА *ж, р. мн.* **-док** 1 *уменьш. от* **борода́** соқолча, калта соқол; 2 калитнинг тили.

БОРОДО́К *м, р.* **-дка́** *тех.* бородок, сумба.

БОРОЗД/А́ *ж, вин.* **бо́розду** и **борозду́,** *мн.* **бо́розды,** *р.* **боро́зд,** *дат.* **-а́м** 1 эгат, жўяк. 2 *перен. то же, что* **боро́здка** 2.

БОРОЗД/И́ТЬ, -зжу́, -зди́шь *несов.* 1 *что* эгат очмоқ, ариқ (жўяк) солмоқ, ариқ тортмоқ; **плу́ги ~я́т зе́млю** плуглар ерни ариқ тортиб ағдармоқда; 2 йўл солмоқ, қатнамоқ, кезмоқ; **корабли́ ~я́т оке́ан** кемалар океанда кезади (кезиб юрибди, кезмоқда); кемалар океанда у ён-бу ён қатнамоқда; 3 *перен.* из солмоқ, из қолдириб (кесиб) ўтмоқ, босмоқ; **тропи́нки ~я́т по́ле** сўқмоқ йўллар далани ҳар ер-ҳар еридан кесиб ўтган; **морщи́ны ~я́т лоб** пешанасини ажин босган (босибди); **мо́лнии ~ и́ли не́бо** яшинлар осмонда из солиб ўтмоқда эди.

БОРО́ЗДКА *ж, р. мн.* **-док** 1 *уменьш. от* **борозда́** эгатча, ариқча; 2 бурушиқ, ажин.

БОРОЗДОВО́Й, -ая, -о́е ариққа, жўякка оид; ариқ...; жўяк...; ~ **поли́в** ариқ тортиб суғориш: ~ **посе́в** ариқ тортиб экиш.

БОРО́ЗДЧАТЫЙ, -ая, -ое ажин босган, бурушиқ, чизиқ-чизиқ; илон изи; ~**почто́вый штамп** илон изи почта штампи.

БОРОНА́ *ж, вин.* **бо́рону,** *мн.* **бо́роны,** *р.* **боро́н,** *дат.* **-а́м** борона, сихмола.

БОРОНИ́ТЬ *несов. (сов.* **взборони́ть** и **заборони́ть**) *что* бороналамоқ; молалламоқ, мола босмоқ, мола бостирмоқ; ~ **по́ле** ерни бороналамоқ; чопилган (ҳайдалган) ерга мола босмоқ.

БОРОНОВА́НИЕ *с* бороналаш; молалаш, мола босиш, мола бостириш.

БОРОНОВА́ТЬ, -ну́ю, -ну́ешь *несов. то же, что* **борони́ть.**

БОРОНЬБА́ *ж то же, что* **боронова́ние.**

БОРО́ТЬСЯ, борю́сь, бо́решься *несов.* 1 *с кем* курашмоқ, олишмоқ, кураш тушмоқ; ~ **с о́пытным борцо́м** тажрибали курашчи билан кураш тушмоқ; ~ **по пра́вилам бухари́ской борьбы́** бухороча кураш қоидаларига мувофиқ курашмоқ, бухороча кураш тушмоқ; 2 *с кем* курашмоқ, талашмоқ, рақобат қилмоқ; ~ **с конкуре́нтами** рақиблар билан курашмоқ (талашмоқ); 3 *с кем-чем, против чего* қарши курашмоқ; енгиш (бартараф, йўқ қилиш) учун кураш олиб бормоқ, жанг қилмоқ; ~ **с предрассу́дками** ҳурофотга қарши курашмоқ; ~ **с тру́дностями** қийинчиликлар билан (қийинчиликларни енгиш учун) курашмоқ; ~ **с контрреволю́цией** контрреволюцияга қарши курашмоқ; 4 *за кого-что* учун курашмоқ, учун ҳаракат қилмоқ, тиришмоқ; ~ **за мир** тинчлик учун курашмоқ; ~ **за досро́чное выполне́ние пла́на** планни муддатидан илгари бажариш учун курашмоқ; ~ **за пе́рвенство** биринчилик учун курашмоқ; 5 *с чем* хилоф (қарши) келмоқ, зид тушмоқ, олишмоқ; **в нём ра́дость боро́лась с за́вистью** унинг дилида шодлик ҳисси ҳасад ҳисси билан олишарди; ✦ ~ **с (сами́м) собо́й** ўз-ўзи билан курашмоқ, ўзини босмоқ, ўз ҳис-туйғуларини (нафсини, жаҳлини ва ҳ. к.) тиймоқ.

БОРТ *м, мн.* **-а́** 1 борт, ён девор; **пра́вый** ~ **ло́дки** қайиқнинг ўнг борти, ўнг ён девори; ~ **билья́рдного стола́** бильярд столининг борти; 2 борт, кузов девори (автомашина, вагон ва ш. к. да); **откину́ть** ~ **грузовика́** юк машинасининг бортини (деворини) туширмоқ; 3 олд, ён (кийимда); **пу́говицы на пра́вом** ~**у́ пиджака́** пиджакнинг ўнг ёнидаги тугмалар; ✦ ~**о́** ~ ёнма-ён (кемалар ҳақида); **взять (брать) на** ~ кемага (ёки самолётга) олмоқ; **взять**

www.ziyouz.com kutubxonasi

на ~ пассажи́ров пассажирлар олмоқ (кема, самолёт ҳақида); **на ~ у́** бортда (кема ёки самолётда); **за ~о́м** кемадан ташқарида; сувда; **челове́к за ~о́м** сувдаги (кемадан сувга тушиб кетган) одам; **вы́кинуть (или вы́бросить) за ~** 1) кемадан (сувга) иргитиб ташламоқ, улоқтирмоқ; 2) четлатмоқ; орадан кўтармоқ; **за ~о́м оста́ться** четлашмоқ, четда, ташқарида қолмоқ.

БОРТЕВО́Й, -а́я, -о́е: ~е пчелово́дство ўрмон асаларичилиги (ёввойи асаларилларга қараш ва ўрмонда асал йиғиш).

БОРТЖУРНА́Л *м* (бортово́й журна́л) бортжурнал, борт журнали (самолётда, космик кемада).

БОРТМЕХАНИ́К *м* бортмеханик (учиш аппарати механиги).

БО́РТНИК *м уст.* ўрмон асаларичиси.

БО́РТНИЧАТЬ *несов. уст.* ўрмон асаларичилиги билан шуғулланмоқ.

БО́РТНИ́ЧЕСТВО *с уст.* ўрмон асаларичилиги.

БОРТО́ВКА *ж* бортовка (кийимнинг олди, ёқаси орасига қўйиладиган қаттиқ, дағал мато).

БО́РТОВ/О́Й, -а́я, -о́е бортга оид; бортдаги; бортли; борт...; **~о́й грузово́й автомоби́ль** бортли юк автомобили; **✦ ~а́я ка́чка** ёндама чайқалиш, кеманинг икки ёнга чайқалиши.

БОРТПРОВОДНИ́К *м, р.* **-а́** бортпроводник, самолёт проводниги.

БОРТПРОВОДНИ́ЦА *ж см.* **бортпроводни́к.**

БОРТРАДИ́СТ *м* бортрадист (самолёт радисти).

БОРТЬ *ж уст.* энг оддий асалари уяси (дарахт ковағи, ўйилган тўнка ва ҳ. к.).

БОРЦО́ВСКИ/Й, -ая, -ое *прил. от* **боре́ц** 1, 2 курашга оид, курашчиларга хос бўлган; кураш...; курашчилар...; **~е ка́чества** курашувчилик хислатлари; **~й ковёр** кураш тушиладиган гилам (ёки майдон).

БОРЩ *м, р.* **-а́** боршч (лавлаги солинган карам шўрва).

БОРЩО́К *м, р.* **-щка** 1 *ласк. от* **борщ**; 2 қайнатма лавлаги шўрва.

БО́РЬБА *ж* 1 *спорт.* кураш; курашиш; **класси́ческая ~** классик кураш; **во́льная ~** эркин кураш; **соревнова́ния по борьбе́** кураш мусобақалари; 2 кураш, жанг, олишув; **кла́ссовая ~** синфий кураш; **смерте́льная ~** ҳаёт-мамот кураши; **~ за свобо́ду и незави́симость** озодлик ва мустақиллиқ учун кураш(иш); **~ за мир** тинчлик учун кураш (иш); **~ за повыше́ние ка́чества проду́кции** маҳсулот сифатини кўтариш учун кураш(иш); **~ за власть** ҳокимият учун кураш; **~ с за́сухой** қурғоқчиликка қарши кураш; **~ с гри́ппом** гриппга қарши кураш; 3 *перен.* тўқнашув, кураш; **~ чувств** ҳиссиётлар кураши; **✦ ~ с само́м собо́й** ўз-ўзи билан кураш, ўз ҳиссиётларини босиш, тийиш учун кураш.

БОСИКО́М *нареч.* яланг оёқ, оёқ яланг; **ходи́ть ~** яланг оёқ юрмоқ.

БОСО́Й, -а́я, -о́е оёқ кийимсиз, оёқ яланг, яланг оёқ, сарпойчанг, шилингпоча; **шлёпать босы́ми нога́ми** яланг оёқ шалп-шалп юрмоқ; **✦ на бо́су но́гу** сарпойчанг (оёқ кийимсиз, пайпоқсиз).

БОСОНО́ГИЙ, -ая, -ое *то же, что* **босо́й.**

БОСОНО́ЖКА *ж* яланг оёқ аёл; яланг оёқ қиз.

БОСОНО́ЖКИ *мн., р.* **-жек** *(ед.* **босоно́жка** *ж)* босоножка (дастаксиз оёқ кийими).

БОСС *м* босс, корчалон, хўжайин (Америкада).

БОСТО́Н *м* бостон (1 костюмбоп жун газлама тури; 2 қарта ўйинининг бир тури; 3 рақснинг бир тури).

БОСТО́НОВЫЙ, -ая, -ое бостондан тикилган, бостон...; **~ костю́м** бостон костюм.

БОСЯ́К *м, р.* **-а́** яланг оёқ, қаланғи-қасанғи.

БОСЯЦКИЙ, -ая, -ое яланг оёқларга, қаланғи-қасанғиларга оид.

БОСЯ́ЧЕСТВО *с* 1 яланг оёқлар, қаланғи-қасанғилар, 2 *собир.* яланг оёқлар (қаланғи-қасанғилар) ҳаёти.

БОТ *м* бот (кичкина кема, қайиқ тури); **весе́льный ~** эшкакли қайиқ; **мото́рный ~** моторли қайиқ; **спаса́тельный ~** қутқарувчи қайиқ.

БОТА́НИК *м* ботаник, ботаника мутахассиси.

БОТА́НИКА *ж* ботаника.

БОТАНИ́ЧЕСКИЙ, -ая, -ое ботаникага, ўсимликларга оид; ботаника...; **~ сад** ботаника боғи.

БО́ТВА *ж* барг, поя (лавлаги, сабзи, картошка каби ўсимликларда).

БОТВИ́НЬЯ *ж* кўкат ва квасли совуқ балиқ шўрва.

БО́ТИКИ *мн. (ед.* **бо́тик** *м)* ботик.

БОТИ́НКИ *мн., р.* **-нок** *(ед.* **боти́нок** *м)* ботинка.

БОТФО́РТЫ *мн. (ед.* **ботфо́рт** *м)* қўнжи тиззадан баланд этик.

БОТЫ *мн. (ед.* **бот** *м) то же, что* **бо́тики.**

БО́ЦМАН *м* боцман (кемаларда хўжаликка қаровчи кичик командир).

БОЦМА́НСКИЙ, -ая, -ое боцманларга ва боцманликка оид; боцман...; боцманлик...

БОЧА́Р *м, р.* **-а́** *то же, что* **бо́ндарь.**

БОЧА́РНЫЙ, -ая, -ое бочкасозликка оид; бочкасозлик...; бочкасоз(лар)....

БО́ЧЕЧН/ЫЙ, -ая, -ое бочкали; бочка...; **~ый о́бруч** бочка чамбараги (гардиши); **~ое пи́во** бочкали пиво.

БО́ЧКА *ж, р. мн.* **-чек** 1 бочка; **деревя́нная ~** ёғоч бочка; **пивна́я ~** пиво бочкаси; **~ для воды́** сув солинадиган бочка; 2 *уст.* 40 челакка (тахминан 480 л. га) тенг суюқлиқ ўлчови; 3 *ав.* бочка (олий пилотаж фигураларидан бири); **✦ бездо́нная ~** *см.* **бездо́нный.**

БО́ЧКОВ/ЫЙ, -ая, -ое *то же, что* **бо́чечный.**

БОЧКО́М *нареч. то же, что* **бо́ком; пробира́ться ~** яккакифт бўлиб ўтмоқ.

БОЧО́НОК *м, р.* **-нка** кичкина бочка, бочкача; **~ ква́са** бир бочкача квас.

БОЯЗЛИ́ВО *нареч.* қўрқа-писа, ҳадик билан, чўчиб-писиб, ҳадиксираб.

БОЯЗЛИ́ВОСТЬ *ж* қўрқоқлик, юраксизлик; ҳурковучлик.

БОЯЗЛИ́ВЫЙ, -ая, -ое 1 қўрқоқ, юраксиз; ҳурковуч; **~ челове́к** қўрқоқ (юраксиз) одам; 2 ҳадикли, қўрқувли, ҳадиксираган, қўрқинч ифодаловчи; **~ взгляд** ҳадиксираб қараш; ҳадикли назар.

БОЯЗНО *в знач. сказ. прост.* қўрқинчли, ваҳимали, юрак бормайди, одам қўрқади, одамни ваҳима босади; **мне ~** мен қўрқяпман (қўрқиб кетяпман); мени қўрқув (ваҳима) босяпти, ҳайиқиш, чўчиш, ҳуркиш; **вам не ~ идти́ но́чью?** кечаси юришга (боришга) қўрқмайсизми?

БОЯЗН/Ь *ж* қўрқув, қўрқиш, ваҳима, ҳадик, ҳадиксираш; **~ь одино́чества** ёлғизликдан қўрқиш; **из ~и** қўрқувдан, қўрққандан, қўрқиб, ҳадик олиб.

БОЯ́РИН *м, мн.* **боя́ре** *ист.* бояр, боён (қадимги ва Москва Русида: ҳоким синф вакили, катта ер эгаси).

БОЯРСК/ИЙ, -ая, -ое *ист.* боярларга оид; бояр(лар)...; **~ая ду́ма** боярлар думаси; **~ий дом** бояр уйи, хонадони.

БОЯ́РСТВО *с собир. ист.* боярлар, боёнлар.

БОЯ́РЫНЯ *ж* 1 *ист.* бояр хотини; 2 *уст. то же, что* **ба́рыня.**

БОЯ́РЫШНИК *м* дўлана (дарахти ва меваси).

БОЯ́РЫШНИЦА *ж* дўлана капалаги.

БОЯ́РЫШНЯ *ж, р. мн.* **-шень** *ист.* эрга чиқмаган бояр қизи.

БОЯ́ТЬСЯ, бою́сь, бои́шься; бо́йся, бо́йтесь *несов.* 1 *кого-чего* и *с неопр.* қўрқмоқ, ҳайиқмоқ, ваҳимага тушмоқ, чўчимоқ, ҳуркмоқ; **волко́в ~ — в лес не ходи́ть** *посл.* бўридан қўрққан ўрмонга бормайди, чумчуқдан қўрққан тариқ экмайди; **не бо́йтесь, иди́те сме́ло** қўрқманг, дадил бораверинг; 2 *кого-чего* и *с неопр.* хавфсирамоқ, хавф (ҳадик) олмоқ, хавотир бўлмоқ, қўрқмоқ; **бою́сь просту́ды** шамоллашдан (шамоллаб қолмай деб) қўрқаман; **бою́сь опозда́ть** кеч қоламан деб қўрқаман; 3 *чего* қўрқмоқ, ёқтирмаслик; **расте́ния боя́тся темноты́** ўсимликлар қоронғиликдан қўрқади (қоронғиликни ёқтирмайди); **фотобума́га бои́тся све́та** фотоқоғоз ёруғликдан қўрқади (ёруғликда бузилади); **✦ бою́сь сказа́ть (или назва́ть** и т. п.) аниқ айта олмайман.

БРА *с нескл.* бра (деворий шамдон ёки лампа тутқичи).

БРАВА́ДА *ж* ном чиқарга мардлик кўрсатиш; қуруқ мақтаниш, чираниш; қуруқлик,

www.ziyouz.com kutubxonasi

БРАВИ́РОВАТЬ *несов. чем* и *без доп.* рўкач қилмоқ; ном чиқарга мардлик қилмоқ, қуруқ мақтанмоқ, чиранмоқ, қуруқлик қилмоқ; ўйнашмоқ; ~ **опа́сностью** хатар билан ўйнашмоқ; ~ **сме́лостью** ўзининг ботирлиги билан мақтанмоқ.

БРАВИ́ССИМО *межд.* офарин-офарин!, балли-балли!, баракалла-баракалла!

БРА́ВО I *межд.* офарин!, балли!, баракалла!, қандингни ур!, яша!

БРА́ВО II *нареч.* мардона, мардонавор; ғурур билан, керилиб; **он ~ вы́глядит** у мардонавор кўринади; **поступи́ть** ~ мардонавор иш қилмоқ, мардлик кўрсатмоқ; ~ **подкрути́ть усы́** керилиб мўйловларини бураб қўймоқ.

БРАВУ́РНЫЙ, -ая, -ое; -рен, -рна шўх, ўйноқи (музика, куй ҳақида); ~ **марш** шўх марш.

БРА́ВЫЙ, -ая, -ое мард, жасур, ботир, азамат; ~ **мужчи́на** азамат киши; ~ **солда́т** жасур солдат.

БРА́ГА *ж* брага (хонаки пиво тури).

БРАДА́ *уст. поэт.* соқол.

БРАДОБРЕ́Й *м уст.* и *шутл.* сартарош.

БРА́ЖНИК *м уст.* майхўр, арақхўр; маишатпараст, ишратпараст.

БРА́ЖНИЧАТЬ *несов. уст.* и *шутл.* арақхўрлик қилмоқ; ишрат қилмоқ.

БРАЗДЫ́ *мн. книжн. уст.* сувлиқ, жилов; ✦ ~ **правле́ния** *высок.* ҳокимият жилови; ҳокимият.

БРАЗИ́ЛЕЦ *м, р.* **-льца** бразил, бразилиялик эр киши; *см.* **брази́льцы.**

БРАЗИ́ЛЬСКИЙ, -ая, -ое Бразилияга ва бразилларга оид; Бразилия...; бразил(лар)...

БРАЗИ́ЛЬЦЫ *мн. (ед.* **брази́лец** *м,* **бразилья́нка** *ж)* бразиллар, Бразилия халқи, бразилияликлар.

БРАЗИ́ЛЬЯНКА *ж, р. мн.* **-нок** бразил аёл; *см.* **брази́льцы.**

БРАК I *м* эр-хотинлик; уйланиш; эрга тегиш; никоҳ; **вступи́ть в** ~ уйланмоқ; эрга тегмоқ; никоҳ аҳдини расмийлаштирмоқ; **растО́ргнуть** ~ никоҳни бекор қилмоқ, ажралмоқ, ажралишмоқ; хотинини қўймоқ; эридан чиқмоқ; **сочета́ться** ~**ом** қўшилмоқ, бир-бирига уйланмоқ; **состоя́ть в** ~**е** эр-хотин бўлмоқ, никоҳ(и)да бўлмоқ; **Пе́рвым** ~**ом он был жена́т на бога́той же́нщине** (М. Горький) Биринчи уйланганида у бир бой хотинни олган эди, биринчи марта у бой хотинга уйланган эди; **свиде́тельство о** ~**е** никоҳ гувоҳномаси.

БРАК II *м* **1** брак, нуқсон; яроқсизлик; **борьба́ с** ~**ом** бракка қарши кураш; **2** брак, яроқсиз мол, маҳсулот.

БРАКЁР *м то же, что* **браковщик.**

БРАКЕРА́Ж *м* маҳсулотни яхши-ёмонга ажратиш, сифатига қараб саралаш.

БРАКО́ВАННЫЙ, -ая, -ое 1 *прич. от* **бракова́ть; 2** *в знач. прил.* брак қилинган, бракка чиқарилган, яроқсиз топилган; ~ **това́р** брак қилинган товар.

БРАКОВА́ТЬ, -ку́ю, -ку́ешь *несов. (сов.* **забракова́ть) 1** *кого-что* бракка чиқармоқ; яроқсиз деб топмоқ, яроқсиз топиб қайтармоқ; ~ **рабо́ту** ишни бракка чиқармоқ, ишни қайтармоқ; **2** *что* яхши-ёмонга ажратмоқ, сифатига қараб сараламоқ.

БРАКО́ВКА *ж* **1** браковка, бракка чиқариш, брак қилиш; **2** *то же, что* **бракера́ж.**

БРАКО́ВОЧНЫЙ -ая, -ое браковкага оид; браковка...; ~ **акт** браковка акти.

БРАКО́ВЩИК *м* браковкачи (маҳсулотнинг сифатини текширувчи).

БРАКО́ВЩИЦА *ж см.* **брако́вщик.**

БРАКОДЕ́Л *м* бракчи, брак маҳсулот чиқарувчи.

БРАКОНЬЕ́Р *м* браконьер (ўғринча овчи).

БРАКОНЬЕ́РСКИЙ, -ая, -ое браконьерларга ва браконьерликка оид; ўғринча.

БРАКОНЬЕ́РСТВО *с* браконьерлик, ўғринча овчилик; ўғринча овлаш.

БРАКОРАЗВО́ДНЫЙ, -ая, -ое қўйди-чиқди ишига оид; қўйди-чиқди...; ~ **проце́сс** қўйди-чиқди иши (судда).

БРАКОСОЧЕТА́НИЕ *с* уйланиш; никоҳ аҳди.

БРАМИ́Н *м уст. то же, что* **брахма́н.**

БРАМИ́НСКИЙ, -ая, -ое брахманларга оид; **брахман...**

БРАМСЕ́ЛЬ *м мор.* брамсель (энг юқориги ярус елкани).

БРАНДАХЛЫ́СТ *м прост.* **1** суюқ пиво; сув аралаштирилган паст вино; **2** суюқ шўрва, шилдир сув; **3** *бран.* такасалтанг, ярамас.

БРАНДМА́ЙОР *м уст.* брандмайор (шаҳар ўт ўчирувчилар командаларининг бошлиғи).

БРАНДМА́УЭР *м* брандмауэр (биноларни ёки бино қисмларини бир-биридан ажратувчи ёнмайдиган ғов-девор.)

БРАНДМЕ́ЙСТЕР *м уст.* брандмейстер (ўт ўчирувчилар командасининг бошлиғи).

БРАНДСПО́ЙТ *м* брандспойт (**1** ёнғинга қарши ишлатиладиган сув насоси; **2** шлангага ўрнатиладиган учлик).

БРАНИ́ТЬ *несов. (сов.* **вы́бранить**) *кого-что* сўкмоқ, уришмоқ, койимоқ.

БРАНИ́ТЬСЯ *несов.* **1** *(сов.* **побрани́ться**) *с кем* и *без доп.* сўкишмоқ, уришмоқ, жанжаллашмоқ; **ми́лые брани́тся — то́лько те́шатся!** *погов.* икки ёрнинг уришгани — ўйнашгани (ҳазиллашгани); **2** *(сов.* **вы́браниться**) сўкинмоқ, сўкмоқ, койинмоқ.

БРА́НН/ЫЙ I, -ая, -ое ҳақоратли, уятли, коски; ҳақорат...; уят...; сўкиш...; койиш...; ~**ые слова́** ҳақоратли сўзлар, сўкиш сўзлари.

БРА́НН/ЫЙ II, -ая, -ое *уст. поэт. высок.* жангга оид; аскарий, ҳарбий; жанг...; ~**ые доспе́хи** ҳарбий аслаҳалар; ~**ое по́ле** жанг майдони.

БРАНЧЛИ́ВЫЙ, -ая, -ое уришқоқ; сўкағон, оғзи шалоқ, оғзи бузуқ, коски.

БРА́Н/ЫЙ, -ая, -ое *уст.* гул тикилган, гулли, гулдор; ~**ая ска́терть** гулдор дастурхон.

БРАНЬ I *ж* **1** ҳақоратли сўз, уятли сўз, сўкиш сўзлари; **2** сўкиш, койиш; уришиш, сўкишиш.

БРАН/Ь II *ж уст. поэт. высок.* уруш, жанг; **по́ле** ~**и** жанг майдони; **на по́ле** ~**и** жанг майдонида ҳалок бўлмоқ.

БРАСЛЕ́Т *м* билагузук.

БРАСЛЕ́ТК/А *ж, р. мн.* **-ток** *разг. то же, что* **брасле́т; часы́ на** ~**е** билагузукли соат, билагузукка ўрнатилган соат.

БРАСС *м спорт.* брасс (сузиш усули).

БРАССИ́СТ *м спорт.* брассчи, брасс усулида сузувчи.

БРАССИ́СТКА *ж, р. мн.* **-ток** *см.* **брасси́ст.**

БРА́Т *м, мн.* **бра́тья 1** биродар, ака (ёки ука), оға (ёки ини); **ста́рший** ~ ака, катта ака; **мла́дший** ~ ука, кичик ука; **они́** ~**ья** улар ака-ука (оға-ини); **2** *разг.* ака!, ука!, биродар!, оғайни! (эр кишига мурожаат формаси); **3** *высок.* биродар, қардош; ~**ья по кла́ссу** синфий қардошлар; **4** *рел.* диний жамият аъзоси; монах; ✦ **наш** ~ *разг.* биз, бизникилар, бизга (менга) ўхшашлар, мендакалар; **ваш** ~ *разг.* сиз, сизникилар, сизга (сенга) ўхшашлар, сендакалар; **зна́ю я ва́шего** ~**а** мен сизларни биламан; **свой** ~ *разг.* ўзиники, ўзимизники, ўз кишиси, ўз кишимиз; **на** ~**а** *разг.* киши бошига, ҳар бир кишига; **чёрт не** ~ *кому* пирига ошна бўлмайди; ҳеч кимни назари илмайди.

БРАТА́Н *м прост.* и *обл. то же, что* **брат** 1.

БРАТА́НИЕ *с* биродарлашув, иноқлашиш, дўстлашиш; ~ **солда́т на фро́нте** фронтда солдатларнинг биродарлашуви (ўзаро иноқлашуви, дўстлашиб кетуви).

БРАТА́ТЬСЯ *несов. с кем* **1** *(сов.* **побрата́ться**) *разг.* ака-ука тутинмоқ; иноқлашмоқ, дўстлашмоқ, дўстона муносабат боғламоқ; **2** дўст (ака-укадек) бўлиб кетмоқ; **3** биродарлашмоқ (уруш майдонидаги қарама-қарши томон аскарлари ҳақида).

БРАТВА́ *ж собир. прост.* биродарлар, оғайнилар, ўртоқлар.

БРА́ТЕЦ *м, р.* **-тца 1** *ласк. от* **брат** 1; **2** дўстим, ошнам, оғайни, биродар (мурожаатда).

БРА́ТИНА *ж* қўлдан-қўлга ўтказиб шароб ичиладиган катта идиш, жом.

БРАТИ́ШКА *м, р. мн.* **-шек** *разг.* **1** ука, укажон; **2** *прост.* кичик ука.

www.ziyouz.com kutubxonasi

БРА́ТИЯ *ж собир.* 1 *уст.* бир монастирнинг монахлари, муридлар; 2 *шутл.* ёру биродарлар, ёронлар; аҳллар, муҳиблар; **актёрская** ~ актёрлар аҳли.

БРАТО́К *м, р.* **-тка́** *прост.* ука, укажон.

БРАТОУБИ́ЙСТВЕНН/ЫЙ: ~ая война́ қон-қариндошларнинг (ёки синфий жиҳатдан яқин кишиларнинг) ўзаро уруши.

БРАТОУБИ́ЙСТВО *с* қон-қариндошларнинг, яқин кишиларнинг бир-бирини ўлдириши, қириши.

БРАТОУБИ́ЙЦА *м* и *ж* ўз оға-инисини (ёки яқин кишисини) ўлдирган киши.

БРА́ТСК/ИЙ, -ая, -ое 1 туғишган ака-укаларга оид; туғишганларга хос; **~ая любо́вь** ака-укалар (ака-укалик) муҳаббати, туғишганлар муҳаббати; 2 биродарона, дўстона, қардошларча; қардошлик...; қардош; **~ий приве́т** қардошларча салом, дўстона салом, қардошлик саломи; **~ая респу́блика** қардош республика; **~ая семья́ сове́тских наро́дов** совет халқларининг қардошлик оиласи; ✦ **~ая моги́ла** ўртоқлар (қардошлар) мозори; **~ое кла́дбище** ўртоқлар (қардошлар) қабристони.

БРА́ТСТВО *с* 1 *высок.* биродарлик, қардошлик, дўстлик; бирлик, иттифоқ; **~рабо́чих всех стран** барча мамлакат ишчиларининг қардошлиги; 2 *уст.* бирлик, иттифоқ; **масо́нское** ~ масонлар иттифоқи.

БРАТЬ, беру́, берёшь *несов.* (*сов.* **взять** 1) *кого-что* олмоқ, тутмоқ; ~ **руко́й** қўл билан олмоқ; ~ **в ру́ки** қўлига олмоқ; ~ **щипца́ми** қисқич билан олмоқ (тутмоқ); ~ **кни́гу** китобни қўлга олмоқ; ~ **в рот** оғизга олмоқ; 2 *перен. что* олмоқ, танламоқ; ~ **те́му** тема олмоқ, мавзу танламоқ; 3 *что* и *без доп.* алдамоқ, тортмоқ (балиқ ҳақида); ~ **нажи́вку** емни (қармоқни) тортмоқ; **рыба берёт хорошо́** балиқ жуда яхши тортяпти (алдаяпти); 4 *что обл.* термоқ; ~ **грыбы́** қўзиқорин термоқ; 5 *кого-что* олиб кетмоқ, бирга олиб бормоқ (кетмоқ, жўнамоқ); ~ **с собо́й на спекта́кль дете́й** спектаклга болаларни бирга олиб бормоқ; **~рабо́ту на́ дом** ишни уйга олмоқ, уйга иш олмоқ; ~ **с собо́й портфе́ль** портфелни ола кетмоқ; **попу́тные маши́ны его́ не бра́ли** йўловчи машиналар уни олиб кетмасди; 6 *кого-что* олмоқ; харид қилмоқ; ёлламоқ; ~ **де́ньги взаймы́** қарзга пул (пул қарз) олмоқ; ~ **уро́ки** дарс олмоқ; ~ **такси́** такси олмоқ, ёлламоқ; ~ **биле́ты в теа́тр** театрга билет олмоқ; ~ **молоко́ по утра́м** ҳар куни эрталаб сут олиб турмоқ; 7 *кого-что* олмоқ, қабул қилмоқ; ~ **на рабо́ту** ишга олмоқ, қабул қилмоқ; ~ **ребёнка на воспита́ние** болани ўз тарбиясига олмоқ; ~ **поруче́ние** топшириқ олмоқ; **~обяза́тельство** мажбурият олмоқ; мажбурият қабул қилмоқ; 8 *с кого* олмоқ; ~ **сло́во** сўз (ини) олмоқ; ~ **обеща́ние** ваъда (сини) олмоқ; 9 *кого-что* олмоқ, эгалламоқ, забт этмоқ; босмоқ; таъсир этмоқ; ~ **в плен** асир(га) олмоқ, асир туширмоқ; ~ **шту́рмом** штурм билан олмоқ (эгалламоқ, забт этмоқ); 10 *кого-что* босмоқ, тутмоқ, қамраб олмоқ; **его́ стра́х бере́т** уни қўрқув босяпти, у ваҳимага тушяпти (тушиб қолди); **его́ берёт сомне́ние** у шубҳага тушди, уни шубҳа босди; **меня́ дрожь берёт** мени титроқ босяпти, мен қалтираб кетяпман; 11 *чем* эришмоқ, қўлга киритмоқ, эга бўлмоқ, мақсадга етмоқ, муваффақият қозонмоқ; ~ **уме́нием** уддабуронлик билан қўлга киритмоқ; ~ **умо́м** ақл билан эришмоқ, ақл ишлатиб эга бўлмоқ; ~ **уси́дчивостью** қунт (сабрматонат) билан мақсадига эришмоқ; 12 *что* енгмоқ, ошиб ўтмоқ; ~ **барье́р** *спорт.* тўсиқдан ошиб (сакраб) ўтмоқ; **брать крутой подъём** тик қияликдан ошмоқ; тик қияликка чиқмоқ; 13 *что за что* олмоқ, тўлаттирмоқ, ундирмоқ; ~ **нало́ги** налог олмоқ; ~ **по рублю́ за вход** кириш учун бир сўмдан олмоқ; **до́рого** ~ қиммат олмоқ; катта ҳақ (пул) олмоқ; 14 *что* олмоқ, талаб қилмоқ, банд (ишғол) қилмоқ; **э́та рабо́та берёт мно́го вре́мени** бу иш кўп вақт(ни) олади; 15 олмоқ, кесмоқ; урмоқ, отмоқ, тегмоқ; **бри́тва берёт хорошо́** устара яхши олади; **ружьё берёт на две́сти шаго́в** милтиқ икки юз қадамдаги нишонни ура олади; 16 *что* қазиб олмоқ, чиқармоқ; **В горе́ когда́-то давно́ бра́ли ка́мень...** (М. Горький) Тоғдан бир вақтларда тош қазиб олар эдилар; 17 баъзи отлар билан бирикиб келиб, шу от ифодалайдиган иш-ҳаракатни билдиради; ~ **на себя́ сме́лость** ботинмоқ, журъат қилмоқ; ~ **нача́ло** бошланмоқ, келиб чиқмоқ; ~ **на учёт** ҳисобга олмоқ; ✦ **брать (взять) своё** ишини қилмоқ; таъсирини кўрсатмоқ; ҳақини олмоқ; **зима́ берёт своё** қиш қишлигини қилади; ~ **(взять) за́ сердце** (или **за́ душу, за живо́е**) юрагини эзмоқ, қаттиқ таъсир этмоқ; ~ **(взять) себя́ в ру́ки** ўзини қўлга олмоқ; ўзини тутмоқ; ~ **(взять)** *чью* **сто́рону** ёнини (томонини) олмоқ; **на́ша (ва́ша) берёт (возьмёт, взяла́)** бизникилар енгиб чиқяпти (ғалаба қиляпти); ~ **по́д руку** қўлтиғидан олмоқ, қўлтиқламоқ; ~ **(взять) в кле́щи** *см.* **кле́щи;** ~ **(взять) за бока́** *см.* **бок;** ~ **(взять) за гло́тку** *см.* **гло́тка;** ~ **взять) за го́рло** *см.* **го́рло;** ~ **(взять) за жа́бры** *см.* **жа́бры;** ~ **(взять) на́ душу** *что* ўзига олмоқ; кўнглига олмоқ; ~ **(взять) на му́шку** *см.* **му́шка;** ~ **(взять) на себя́** *что* ўз устига (зиммасига) олмоқ; ~ **в ла́пу** *см.* **ла́па.**

БРА́ТЬСЯ, беру́сь, берёшься *несов.* (*сов.* **взя́ться**) 1 *за кого-что* қўл билан ушламоқ, тутмоқ; қўл урмоқ; ~ **за верёвку** арқонни ушламоқ; ~ **за́ руки** бир-бирининг қўлидан ушламоқ, қўл ушлашмоқ; 2 *за что* тутинмоқ, киришмоқ, бошламоқ, тушмоқ; қўлга олмоқ; ~ **за уро́ки** дарс тайёрлай бошламоқ, дарс тайёрлашга киришмоқ; ~ **за рабо́ту** ишга киришмоқ, ишга тушмоқ; ~ **за перо́** қўлга қалам олмоқ, ёза бошламоқ; ~ **за ору́жие** қўлга қурол олмоқ; 3 *с неопр.* ўз устига (бўйнига, зиммасига) олмоқ, бирор ишни қилмоқчи бўлмоқ, қилишга ваъда бермоқ; **он берётся реши́ть э́ту зада́чу** бу масалани (вазифани) ҳал қилишни у ўз устига олди; **не беру́сь суди́ть** ҳукм чиқаришга (баҳолашга) ожизлик қиламан; 4 пайдо бўлмоқ, пайдо бўлиб қолмоқ; келиб чиқмоқ; **отку́да берётся сто́лько си́лы?** қаердан пайдо бўлди бунча куч?; 5 ~ *за кого-что разг.* тартибга чақирмоқ, адабини (таъзирини) бериб қўймоқ; ~ **за волоки́тчиков** қоғозбозларни тартибга чақирмоқ, қоғозбозларнинг адабини бериб қўймоқ; ✦ ~ **за ум** ақл-ҳушини йиғиб олмоқ, эси ўзига келмоқ, эс кирмоқ.

БРАУ́НИНГ *м* браунинг (автоматик пистолет тури).

БРАХИЦЕФА́Л *м антр.* брахицефал (боши думалоқ одам).

БРАХМА́Н *м* браҳман (Ҳиндистонда олий табақаларга, коҳинларга мансуб киши).

БРАХМАНИ́ЗМ *м* браҳманизм (қадимги ҳинд дини).

БРА́ЧН/ЫЙ, -ая, -ое 1 никоҳга, эр-хотинликка оид; никоҳ...; **~ое свиде́тельство** никоҳ гувоҳномаси; **~ые у́зы** эр-хотинлик риштаси; эр-хотинлик муносабатлари; 2 *зоол.* жуфтлашиш давридаги; жуфтлашиш...; **~ый наря́д птиц** қушларнинг жуфтлашиш даврида пайдо бўладиган чиройли патлари.

БРА́ШПИЛЬ *м мор.* брашпиль (кема тумшуғидаги ланғарни кўтариш-тушириш учун хизмат қиладиган горизонтал чиғир).

БРЕВЕ́НЧАТЫЙ, -ая, -ое ёғочдан, ходалардан қилинган; ёғоч...; ~ **дом** ёғоч уй.

БРЕВН/О́ *с, мн.* **брёвна,** *р.* **брёвен** 1 ёғоч, хода; 2 *спорт.* хода; **упражне́ния на ~е́** ходада қилинадиган машқлар; 3 *перен. бран.* бефаросат, аҳмоқ одам, тўнка.

БРЕ́ВНЫШКО *с уменьш. от* **бревно́** 1.

БРЕД *м* 1 алаҳлаш, босинқираш; **больно́й в ~у́** касал алаҳлаб ётибди; 2 *перен. разг.* аҳмоқона гап, бўлмағур гап, ёлғон, уйдирма, валдирваса; **все его́ утвержде́ния — сплошно́й** ~ унинг ҳамма даъволари қип-қизил ёлғон (уйдирма).

БРЕ́ДЕНЬ *м, р.* **-дня** тўр (балиқ овлайдиган тўр).

БРЕ́ДИ/ТЬ, бре́жу, бре́дишь *несов.* 1 алаҳламоқ, босинқирамоқ; **больно́й ~л всю ночь** бемор кечаси билан алаҳлаб чиқди; 2 *перен. кем-чем разг.* дарди-фикри (фикри-зикри, фикри-ёди, фикри-хаёли) бир нарсада бўлмоқ, доим бир нарсани ўйламоқ (гапирмоқ, тушида ҳам кўрмоқ); **~ть му́зыкой** дарди-фикри музикада бўлмоқ.

БРЕ́ДИТ/ЬСЯ, -ится *безл. несов.* хаёлга келмоқ, кўринмоқ, туйилмоқ; **что наяву́ ~ся, то и во сне гре́зится** *посл.* бедорликда хаёлга келгани тушга ҳам киради.

БРЕ́ДНИ *мн. разг.* хомхаёл; бемаъни (вати-кути) гаплар, валдираш, алжиш; **пусты́е** ~ бемаъни гаплар.

БРЕДОВ/О́Й, -а́я -о́е 1 алаҳсираб (ёки босинқираб) ўтказилаётган, шундай ҳолатдаги, оғир; **~о́е состоя́ние** алаҳсираш ҳолати; алаҳсираш; **~о́й сон** алаҳсираган (ёки

www.ziyouz.com kutubxonasi

босинқираган) ҳолатдаги уйқу; 2 *перен.* **хаёлий, бемаъни; ~ая идея** бемаъни ғоя.

БРЕЗГА/ТЬ *несов. кем-чем* 1 *(сов.* **побрезгать**) жирканмоқ, йирганмоқ, ҳазар қилмоқ; **~ть чужой посудой** бировнинг идишидан ҳазар қилмоқ (йирганмоқ); 2 ҳазар қилмоқ, тортинмоқ, тап тортмоқ; **они ничем не ~ют** улар ҳеч нарсадан тап тортмайдилар, улар ҳеч нарсадан ҳазар қилмайдилар.

БРЕЗГЛИВЕЦ *м, р.* **-вца** *разг.* жирканувчан (таъби нозик) одам, ҳазарчи.

БРЕЗГЛИВО *нареч.* жирканиб, йирганиб, ҳазар билан.

БРЕЗГЛИВОСТЬ *ж* жирканувчанлик, таъби нозиклик; йирганиш, ҳазар

БРЕЗГЛИВ/ЫЙ, -ая, -ое 1 жирканувчан, йирганувчи, ҳазарчи, таъби нозик; **~ый человек** ҳазарчи одам, таъби нозик одам; **~ое чувство** жирканиш ҳисси; жирканиш, жирканувчанлик, 2 жирканиш ифодаловчи; **~ взгляд** жирканиб қараш.

БРЕЗГОВАТЬ *несов. разг. то же, что* **брезгать.**

БРЕЗЕНТ *м* брезент.

БРЕЗЕНТОВ/ЫЙ, -ая, -ое брезентдан қилинган; брезент...; **~ый плащ** брезент плашч; **~ая палатка** брезент палатка.

БРЕЗЖИ/ТЬ, -ит *несов.* 1 ғира-шира нур сочмоқ, милтилламоқ; **в степи чуть ~т огонёк** чўлда милтиллаб ўт (олов, чироқ) кўринади; 2 *безл.* ёришмоқ; **чуть ~ло** энди тонг отмоқда эди; тонг ота бошлаган (ёришаёзган) эди.

БРЕЗЖИТЬСЯ, -ится *несов. то же, что* **брезжить.**

БРЕЛОК *м* жевак, жевакча (соат занжири, билагузук ва ш. к. да).

БРЕМ/Я *с, р.* **-мени** 1 *уст.* оғир юк, оғирлик; 2 *перен. чего или какое книжн.* оғир вазифа, ташвиш, оғирлик; жабр-жафо; **~я забот** елкадаги ғам-ташвишлар; **непосильное ~я** оғир юк, оғир ғам-ташвиш; жабр-жафо; **лечь ~енем** оғирлиги тушмоқ; жабр-жафоси елкасига тушмоқ; **под ~енем** жабр-зулми остида, жабр-жафосини тортиб; **✦ разрешиться от ~ени** *книжн.* ҳомиладан бўшанмоқ, кўзи ёришмоқ, туғмоқ.

БРЕННОСТЬ *ж книжн. уст.* фонийлик, бебақолик.

БРЕНН/ЫЙ, -ая, -ое *книжн. уст.* фоний, бебақо, ўткинчи, омонат; **~ые останки** ўлик тан, жасад, мурда; **~ый мир** бебақо (ўткинчи) дунё.

БРЕНЧА/ТЬ *несов. (сов.* **пробренчать**) 1 жаранглamоқ, динғилламоқ, тинғилламоқ; **~ли стаканы** стаканлар жаранглари; 2 *чем* жаранглатмоқ, динғиллатмоқ, тинғиллатмоқ; **~ть струнами** торларни динғиллатмоқ; **~ть ключами** калитларни жаранглатмоқ (шиқирлатмоқ); 3 *на чём разг.* билар-билмас чалмоқ, динғиллатмоқ; **~ть на рояле** роялни динғиллатмоқ.

БРЕСТИ, бреду, бредёшь; брёл, брела *несов.* 1 биттабитта қадам ташлаб бормоқ, зўрға юрмоқ, оёғини судраб босмоқ, судралмоқ; **мы брели по колено в воде** биз тиззагача сув кечиб зўрға борар эдик; 2 айланиб юрмоқ, кезмоқ.

БРЕТЕЛИ *мн. (ед.* **бретель** *ж*) елка боғлари (лифчик, юбка ва ш. к. ни тутиб турувчи боғичлар).

БРЕТЕЛЬКИ *мн. р.* **-лек** *(ед.* **бретелька** *ж) уменьш. от* **бретели** *то же, что* **бретели.**

БРЕТЁР *м уст.* жиззаки одам; дуэлбоз.

БРЕХАТЬ, брешу, брешешь *несов. прост.* 1 вовуллamоқ, акилламоқ, ҳурмоқ (ит ҳақида); 2 *перен.* (оппқочмоқ) оғзига келган гапни гапиравермоқ, валдирамоқ, олиб қочмоқ.

БРЕХНЯ *ж прост.* ёлғон-яшиқ гап, ёлғон-яшиқ.

БРЕХУН *м, р.* **-á** *прост* ёлғончи, валдирвасар.

БРЕХУНЬЯ *ж, р. мн.* **-ний** *см.* **брехун.**

БРЕШЬ *ж* 1 ўқдан ҳосил бўлган рахна, тешик; **~ от снаряда** снаряд тешиб ўтган жой; 2 *перен. книжн.* ўпирилган жой, рахна; **~ в линии обороны** мудофаа линиясидаги рахна; **пробить ~ *в чём-л.*** ёриб ўтмоқ, рахна солмоқ; 3 *перен.* бўш жой, етишмовчилик; **~ в бюджете** бюджетдаги етишмовчилик.

БРЕЮЩ/ИЙ: ~ий полёт *ав.* пастлаб (ер бағирлаб) **учиш; атака на ~ем полёте** пастлаб учиб қилинадиган ҳужум; пастлаб учиб ҳужум қилиш.

БРИГ *м мор.* **бриг** (икки мачтали елкан кема).

БРИГАДА *ж* 1 *воен.* бригада, қўшилма; **танковая ~** танк бригадаси; **~ торпедных катеров** торпедачи катерлар бригадаси (қўшилмаси); 2 бригада (ишлаб чиқаришда); **полевóдческая ~** далачилик бригадаси: **тракторная ~** трактторчилар бригадаси; **~ отличного качества** аъло сифатли маҳсулот берадиган бригада; **~ коммунистического труда** коммунистик меҳнат бригадаси; 3 бригада (бир поездда хизмат қилувчилар состави); **кондукторская ~** кондукторлар бригадаси.

БРИГАДИР I *м* бригадир, бригада бошлиғи; **~ хлопководческой бригады** пахтачилик бригадасининг бошлиғи.

БРИГАДИР II *м ист.* бригадир (18-асрдан илгариги Россия армиясида: полковник билан генерал ўртасидаги ҳарбий унвон).

БРИГАДИРСКИЙ, -ая, -ое *ист.* бригадир II га, бригадирликка оид; бригадир(лар)...; бригадирлик...; **~ чин** бригадирлик унвони.

БРИГАДИРСТВО *с* бригадирлик.

БРИГАДИРСТВОВАТЬ *несов.* бригадир бўлмоқ, бригадирлик (бригадага бошчилик) қилмоқ; **~ в хлопководческой бригаде** пахтачилик бригадасига бошчилик қилмоқ.

БРИГАДНЫЙ, -ая, -ое 1 бригадага оид; бригада...; **~ метод работы** бригада бўлиб ишлаш усули; **~ механик** бригада механиги; **~ подряд** бригада пудрати; 2 *воен.* бригадага, ҳарбий қўшилмага оид; бригада...; **~ адъютант** бригада (командирининг) адъютанти.

БРИГАНТИНА *ж мор.* бригантина (елканли енгил кема).

БРИДЖ *м* бриж (карта ўйинининг бир тури).

БРИДЖИ *мн.* бриджи, этик шим.

БРИЗ *м мор.* енгил шамол, шабада (денгиз соҳилларида).

БРИЗАНТНЫЙ, -ая, -ое *воен.* парчалайдиган, парчаловчи; **~ снаряд** парчаловчи снаряд.

БРИКЕТ *м* брикет (пресслаб, гиштга ўхшатиб тайёрланган нарса); **угольный ~** кўмир брикети.

БРИКЕТИРОВАНИЕ *с* брикетлаш; **~ каменного угля** тошкўмирни брикетлаш.

БРИКЕТИРОВАТЬ *сов.* и *несов. что* брикетламоқ; **~ торф** торфни брикетламоқ.

БРИКЕТН/ЫЙ, -ая, -ое брикет ҳолидаги, брикетланган; брикет...; брикетлаш...; **~ая фабрика** брикетлаш фабрикаси.

БРИЛЛИАНТ *м* бриллиант (тарашланган қиррали олмос).

БРИЛЛИАНТОВ/ЫЙ -ая, -ое бриллиантга оид; бриллиантдан қилинган; бриллиант...; **~ая грань** бриллиант қирраси; **~ый блеск** бриллиантнинг ярқираши; **~ое кольцо** бриллиант кўзли узук.

БРИЛЬЯНТ *м то же, что* **бриллиант.**

БРИЛЬЯНТОВЫЙ, -ая, -ое *то же, что* **бриллиантовый.**

БРИТАНЕЦ *м, р,* **-нца** *уст. см.* **британцы.**

БРИТАНКА *ж, р. мн.* **-нок** *уст. см.* **британцы.**

БРИТАНСКИЙ, -ая, -ое Британияга ва инглизларга оид; Британия...; инглиз(лар)...; **Британская империя** Британия империяси.

БРИТАНЦЫ *мн. (ед.* **британец** *м,* **британка** *ж) уст.* Буюк Британия аҳолиси, инглизлар.

БРИТВА *ж* устара; **безопасная ~** хавфсиз устара; **электрическая ~** электр устара.

БРИТВЕННЫЙ, -ая, -ое устарага оид; устара...; **~ прибор** соқол оладиган асбоб.

БРИТТЫ *мн. (ед.* **бритт** *м) ист.* бриттлар (қадимда Англияда яшаган келт қабилалари).

БРИТ/ЫЙ, -ая, -ое 1 *прич. от* **брить;** 2 *в знач. прил.* соч-соқоли олинган, қирилган, тарашланган; **~ая голова** сочи олинган бош; **~ое лицо** соқоли олинган (қирилган) юз.

БРИТЬ, брею, бреешь *(сов.* **побрить**) *кого-что* қирмоқ, тарашламоқ (соч-соқолни).

БРИТЬЁ *с* қириш, олиш; қириниш; **~ и стрижка** соқол олиш (олдириш) ва сочни текислаш (текислатиш).

БРИТЬСЯ, бреюсь, -бреешься *несов.* 1 *(сов.* **побриться**) со-соқолни олдирмоқ, қирдиртирмоқ; 2 *(сов.* **побрить-**

www.ziyouz.com kutubxonasi

ся) соч-соқолни олмоқ; 3 соч-соқолни олдириб юрмоқ, соч-соқол қўймаслик; 4 *страд. от* **брить.**

БРИ́ЧКА *ж, р. мн.* **-чек** бричка (тўрт ғилдиракли арава).

БРОВА́СТЫЙ, -ая, -ое қоши қалин, серқош; ~ **мужчи́на** қоши қалин (серкош) киши.

БРО́ВКА I *ж уменьш. от* **бровь** ингичка қош, қалам қош.

БРО́ВКА II *ж спец.* чет, қирғоқ; ~ **доро́ги** йўл қирғоғи.

БРОВ/Ь *ж, р. мн.* **-е́й** қош; **густы́е ~и** қуюқ (қалин) қошлар; **подня́ть ~и** қошини кўтармоқ; **хму́рить ~и** қошини чимирмоқ; ✦ **он и ~ью не повёл** у қошини ҳам қоқмади; у парво (писанд) қилмади; парвойи-палагига келтирмади; **не в ~ь, а (пря́мо) в глаз** боплаб, ўринлатиб, жойини топиб (гапирмоқ); **на ~я́х (прийти́, дойти́)** *прост.* маст ҳолда, зўрға-зўрға, аранг (келмоқ, бормоқ, етиб олмоқ).

БРОД *м,* кечув, кечик; **идти́ ~ом** кечиб ўтмоқ, кечувдан ўтмоқ; **не зна́я ~у, не су́йся в во́ду** *посл.* кечувни билмасдан сувга қадам босма; синамаган отнинг сиртидан ўтма.

БРОДИ́ЛЬНЫЙ, -ая, -ое ачитқига, турушга оид; ачитиладиган, ачитадиган, ачиш...; ачитиш...; бижғитиш...; ~ **чан** бирор нарса ачитиладиган идиш; хамир ошириладиган тоғора; ~ **проце́сс** ачиш, қайнаш, бижғиш (вино ва ш. к. ҳақида); ошиш, кўпчиш (хамир ҳақида).

БРОДИ́/ТЬ I, брожу́, бро́дишь *несов.* 1 айланиб (сандироқлаб) юрмоқ, кезмоқ, тентирамоқ, изғимоқ; ~**ть по го́роду** шаҳарда айланиб юрмоқ; шаҳар кезмоқ; 2 *перен.* ёйилмоқ, ўйнамоқ; **по его́ лицу́ ~ла улы́бка** унинг юзида табассум ўйнарди; ✦ ~**ть в потёмках** қоронғида тимирскиланмоқ; тушунмай (билмай) довдирамоқ.

БРОДИ́ТЬ II, бро́дит *несов.* ачимоқ, қайнамоқ, бижғимоқ (вино ва ш. к. ҳақида); ошмоқ, кўпчимоқ (хамир ҳақида).

БРОДЯ́ГА *м* 1 дайди, дарбадар, мискин; 2 қўнимсиз одам, жаҳонгашта; 3 *бран.* дайди, бетайин.

БРОДЯ́ЖИТЬ *несов. прост. то же, что* **бродя́жничать.**

БРОДЯ́ЖНИЧАТЬ *несов. разг.* 1 дарбадар кезмоқ, дайдиб юрмоқ, сарсон-саргардонликда ҳаёт кечирмоқ; 2 доим кўчиб юрмоқ, бир жойда қўниш топмаслик.

БРОДЯ́ЖНИЧЕСКИЙ, -ая, -ое дарбадарликдаги; дарбадар...; ~ **о́браз жи́зни** дарбадарликдаги ҳаёт (тарзи); 2 қўнимсиз, қўними йўқ.

БРОДЯ́ЖНИЧЕ́СТВО *с* 1 дарбадарлик, дайдилик, саёқлик; сарсонлик; саргардонлик; 2 қўнимсизлик, доим кўчиб юриш.

БРОДЯ́Ч/ИЙ, -ая, -ее саёқ, дайди, беқарор, кўчманчи; ~**ая жизнь** кўчманчилик ҳаёти, қўнимсизлик; ~**ие музыка́нты** саёқ созандалар; ~**ая соба́ка** дайди ит.

БРОЖЕ́НИЕ *с* 1 *по гл.* **броди́ть II;** 2 *перен.* ғалаён, ғулғула, шов-шув; тўполон; ~**умо́в** кишилар онгидаги ғалаён, норозилик.

БРО́ЙЛЕР *м* бройлер (1 гўштга боқилган, боқиладиган жўжа; 2 шундай жўжалар боқиладиган жой, хона; **помести́ть цыпля́т в** ~ жўжаларни бройлерга қўймоқ).

БРО́ЙЛЕРНИК *м то же, что* **бро́йлер** 2.

БРО́ЙЛЕРН/ЫЙ, -ая, -ое бройлерга оид; бройлер...; ~**ые цыпля́та** бройлер жўжалар; ~**ая фа́брика** бройлер фабрикаси.

БРОМ *м* бром (1 химиявий элемент; 2 таркибида шу элемент бўлган дори).

БРО́МИСТ/ЫЙ, -ая, -ое *хим.* таркибида бром бўлган, бромли; ~**е соедине́ния** бромли бирикмалар; ~**й на́трий** бромли натрий, натрий бромид.

БРО́МОВЫЙ, -ая, -ое *хим.* бромга оид; бромли, бром...; ~**ая вода́** бромли сув.

БРОНЕАВТОМОБИ́ЛЬ *м* бронеавтомобиль, зирҳли автомобиль.

БРОНЕБА́ШНЯ *ж* бронебашня, зирҳли башня (танкда).

БРОНЕБО́ЙНЫЙ, -ая, -ое бронтешар; ~ **снаря́д** бронтешар снаряд.

БРОНЕБО́ЙЩИК *м* бронтешар қуролдан отувчи аскар.

БРОНЕВИ́К *м, р.* **-а́** *то же, что* **бронеавтомоби́ль** и **бронемаши́на.**

БРОНЕВ/О́Й, -а́я, -о́е 1 бронли, зирҳли, бронь (зирҳ) билан қопланган; ~**о́й автомоби́ль** бронеавтомобиль, зирҳли автомобиль; 2 бронбоп, зирҳ сифатида ишлатиладиган; ~**о́й лист** зирҳ сифатида ишлатиладиган пўлат лист; 3 брондан (зирҳдан) қилинган; ~**а́я перебо́рка** брондан қилинган тўсиқ, бронь девор.

БРОНЕКОЛПА́К *м, р.* **-а́** бронь (зирҳ) қалпоқ (дот, истеҳком ва ш. к. устида, шинак оғзида).

БРОНЕМАШИ́НА *ж то же, что* **бронеавтомоби́ль.**

БРОНЕНО́СЕЦ *м, р.* **-сца** 1 *мор.* броненосец (зирҳли катта ҳарбий кема); 2 *зоол.* броненосец (зирҳли сут эмизувчи ҳайвон).

БРОНЕНО́СНЫЙ, -ая, -ое *мор.* зирҳли, бронь (зирҳ) билан қопланган; ~ **ка́тер** зирҳли катер.

БРОНЕПО́ЕЗД *м* бронепоезд.

БРОНЕТАНКОВЫ/Й, -ая, -ое: ~е войска́ бронетанк қўшинлар (танклар ва ўзиюрар артиллерия билан қуролланган қўшинлар).

БРОНЕТРАНСПО́РТЁР *м* бронетранспортёр (пиёда аскарларни олиб юриш ва разведка учун белгиланган зирҳли автомашина).

БРО́НЗ/А *ж* 1 бронза; биринж (*эск.*); 2 *собир.* бронза, бронза буюмлар; 3 *разг.* бронза, бронза медаль (мусобақаларда, конкурсларда учинчи ўринни олганларга бериладиган медаль); **претендова́ть на ~у** бронзага даъвогар бўлмоқ.

БРОНЗИРОВА́ТЬ, -ру́ю, -ру́ешь *сов.* и *несов. что* бронзаламоқ, бронза югуртирмоқ, бронза билан қопламоқ, ҳал бермоқ.

БРОНЗИРО́ВКА *ж* бронзалаш, бронза билан қоплаш, бронза югуртириш, ҳал бериш.

БРОНЗО́ВКА *ж, р. мн.* **-вок** тилла қўнғиз.

БРО́НЗОВ/ЫЙ, -ая, -ое 1 бронзадан ясалган, бронза...; ~**ая ста́туя** бронза ҳайкалча; ~**ая меда́ль** бронза медаль; 2 бронза рангли, буғдой ранг; ~**ый зага́р** офтобда тобланиб қорайган ранг; 3 бронза медалини (учинчи ўринни) олган; бронза (учинчи ўрин) учун кураш билан боғлиқ бўлган; ~**ый призёр Олимпиа́ды-80** Олимпиада-80 нинг бронза совриндори; **оказа́ться за ~ой черто́й** бронза (учинчи ўрин) учун курашдан четда (бронза чизиғидан пастда) қолмоқ. ✦ ~**ый век** *археол.* бронза даври.

БРОНИ́РОВАННЫ/Й, -ая, -ое 1 *прич. от* **брони́ровать;** 2 *в знач. прил.* бронланган, бронь қилинган, атаб (ажратиб) қўйилган, банд қилинган; ~**е места́** бронланган жойлар.

БРОНИРО́ВАННЫЙ, -ая, -ое бронли, зирҳли, бронь (зирҳ) билан қопланган; ~ **автомоби́ль** зирҳли автомобиль.

БРОНИ́РОВАТЬ, -рую, -руешь *сов.* и *несов. (сов. также* **заброни́ровать**) *что* бронламоқ, бронь қилмоқ, атаб (банд қилиб) қўймоқ, ажратмоқ; ~ **ме́сто** жой банд қилиб қўймоқ, ўрин сақлаб қўймоқ.

БРОНИ́РОВАТЬ, -ру́ю, -ру́ешь *сов.* и *несов. (сов. также* **забронирова́ть**) *что* бронламоқ, бронь (зирҳ) билан қопламоқ.

БРОНТОЗА́ВР *м палеонт.* бронтозавр (тухуми қуриб кетган судралувчиларнинг бир тури).

БРО́НХИ *мн. (ед.* **бронх** *м*) *анат.* бронхлар (нафас йўллари).

БРОНХИА́ЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое бронхларга оид; бронхиал; ~**ая а́стма** бронхиал астма, зиқнафас.

БРОНХИ́Т *м* бронхит (бронхларнинг, нафас йўлларининг яллиғланиши).

БРО́НЯ *ж* бронь; ~ **на железнодоро́жный биле́т** темир йўл билети олиш учун бронь.

БРОН/Я *ж* 1 бронь, зирҳ; ~**я та́нка** танк зирҳи, танк брони; **проби́ть ~ю** бронни тешиб ўтмоқ; 2 совут; **зако́ванный в ~ю ры́царь** совут кийган рицарь.

БРОСА́ТЬ *несов.* 1 *см.* **бро́сить;** 2 *безл. кого-что* чайқатмоқ, отмоқ; **маши́ну броса́ло из стороны́ в сто́рону** машина гоҳ у томонга, гоҳ бу томонга чайқалиб борар эди; 3 *перен. кого-что* ташламоқ, отмоқ, қистирмоқ; ~ **вопро́сы** савол ташлаб турмоқ; ~ **замеча́ния** луқма ташлаб турмоқ;

www.ziyouz.com kutubxonasi

✦ ~ **тень** *на кого-что см.* **тень; ~ жре́бий** *см.* **жре́бий; ~ де́ньги на ве́тер** пулни кўкка совурмоқ, пулни исроф қилмоқ; ~ **ка́мешки в** *чей* **огоро́д** *см.* **ка́мешки; ~ слова́ на ве́тер** беҳуда гапирмоқ, масъулиятсизлик билан гапирмоқ, сўзининг устидан чиқмаслик; ~ **свет** *на что* ойдинлаштирмоқ, аниқлик киритмоқ; ~ **ка́мень (ка́мнем)** или ~ **гря́зью** *в кого* бадном қилмоқ, лойга қориштирмоқ; ~ **ору́жие** қуролни ташламоқ, таслим бўлмоқ; ~ **перча́тку** *см.* **перча́тка.**

БРОСА́ТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **бро́ситься; 2** *чем* отмоқ, отишмоқ; ~ **камня́ми** тош отишмоқ, бир-бирига тош отмоқ, тошбўрон қилмоқ; ~ **снежка́ми** бир-бирига қор отмоқ, қорбўрон ўйнамоқ; **3** *перен. кем-чем разг.* совурмоқ, қадр қилмаслик; ~ **друзья́ми** дўстларни қадр қилмаслик; ~ **деньга́ми** пулни совурмоқ, пулни пўчоққа (хазонча) билмаслик; **3** *страд. от* **броса́ть;** ✦ ~ **в глаза́** кўзга ташланмоқ, яққол кўриниб турмоқ.

БРОСИ́ТЬ, бро́шу, бро́сишь *сов. (несов.* **броса́ть) 1** *кого-что, чем* отмоқ, ирғитмоқ, итқитмоқ, ташламоқ; туширибюбормоқ; **ме́тко ~ мячь в се́тку** тўпни тўрга пойлаб отмоқ (туширмоқ); ~ **грана́ту** граната отмоқ (ташламоқ); ~ **снежко́м** қор отмоқ; 2 *что* ташламоқ, ташлаб юбормоқ, улоқтириб ташламоқ; чиқитга чиқармоқ; ~ **оку́рок** чекиндини ташламоқ (ташлаб юбормоқ); ~ **оста́тки еды́ в ведро́** қолган овқатларни челакка ташламоқ; **3** *что* ташламоқ, туширмоқ, ташлаб қўймоқ; ~ **якорь** якорь ташламоқ; **4** *кого-что* солмоқ, ташламоқ; ~ **войска́ в бой** қўшинни жангга солмоқ; жангга қўшин ташламоқ; ~ **все си́лы на выполне́ние пла́на** бутун кучни планни бажаришга ташламоқ (сафарбар қилмоқ); 5 *кого-что* қолдирмоқ, ташлаб қўймоқ, қолдириб (ташлаб) кетмоқ; ~ **семью́** оиласини ташлаб кетмоқ; ~ **друзе́й** дўстларини ташламоқ; **6** *что* и *с неопр.* тўхтатмоқ, ташламоқ, тарк этмоқ, барҳам бермоқ; ~ **кури́ть** чекишни ташламоқ; ~ **заня́тия** машғулотларни тарк этмоқ; шуғулланмай қўймоқ; **7** *безл. кого-что во что* босмоқ, тушмоқ, ботмоқ; **его́ бро́сило в пот** уни тер босди, у терга тушди (ботди); **его́ бро́сило в кра́ску** у қизариб кетди; **8** *пов.* **брось(те)** қўй(инг)!, тўхтат(инг)!; бас қил(инг)! етар!, бўлди!; ~ **говори́ть глу́пости!** бўлмағур гапларни қўй(инг)!; ✦ **хоть брось** ташлаб юборса ҳам бўлади, ҳеч нарсага арзимайди; ~ **взгляд (взор)** қараб қўймоқ, назар солмоқ, кўз ташламоқ; ~ **обвине́ние** *кому см.* **обвине́ние; ~ вы́зов** *см.* **вы́зов; ~ упрёк** *см.* **упрёк.**

БРОСИ́ТЬСЯ, бро́шусь, бро́сишься *сов. (несов.* **броса́ться) 1** ўзини отмоқ, отилмоқ, ташланмоқ; ошиқмоқ, ошиқиб югурмоқ; ~ **на по́мощь** ёрдамга ошиқмоқ, тезда ёрдамга келмоқ; ~ **вдого́нку** кетидан югурмоқ; ~ **навстре́чу** пешвоз югурмоқ, югуриб пешвоз чиқмоқ; ~ **в объя́тия** қучоғига отилмоқ; ~ **на ше́ю** бўйнига осилмоқ; **2** *на кого-что* ҳужум қилмоқ, ҳамла қилмоқ, човут қилмоқ, ташланмоқ; ~ **на врага́** душманга ташланмоқ, ҳужум қилмоқ; **соба́ка бро́силась на прохо́жего** ит йўловчига ташланди; **3** *с неопр.* тез киришмоқ, шошиб-пишиб бошламоқ, тушмоқ, тутинмоқ, -иб кетмоқ; ~ **в дра́ку** муштлашиб кетмоқ; ~ **бежа́ть** қочишга тушмоқ, қоча кетмоқ; **4** сакрамоқ, ирғимоқ, ўзини отмоқ (ташламоқ); ~ **с моста́ в ре́ку** кўприкдан дарёга сакрамоқ; ўзини отмоқ; ~ **в посте́ль** ўрингa ўзини отмоқ; ✦ **кровь бро́силась в лицо́** юзига қон югурди; ~ **в го́лову** миятга (бошга) урмоқ, таъсир қилмоқ (ичкилик ҳақида).

БРО́СКИЙ, -ая, -ое; -сок, -ска *разг.* мана ман деб (кўзга ташланиб) турадиган, кўзга яқин; ранги очиқ, ёркин, яққол; ~ **заголо́вок** кўзга ташланиб турадиган сарлавҳа.

БРО́СОВ/ЫЙ, -ая, -ое *прост.* ярамас, ёмон, ташланадиган, сифати паст; ~**ый това́р** ярамас моллар; сифати паст моллар; ~**ые зе́мли** ташландиқ ерлар; ✦ ~**ый э́кспорт** *эк. то же, что* **де́мпинг;** ~**ая цена́** *эк.* таннархидан паст баҳо; ҳаён.

БРОСО́К *м, р.* **-ска́ 1** *по гл.* **бро́сить** 1 и **бро́ситься** 1, 4; **пра́вила броска́ ди́ска** диск отиш қоидаси; ~ **вперёд** олдинга ташланиш; 2 сапчиш, сакраш, човут, ҳамла.

БРО́ШКА *ж, р. мн.* **-шек** *то же, что* **брошь.**

БРО́ШЬ *ж* брошка, тўғнағич.

БРОШЮ́РА *ж* брошюра, рисола.

БРОШЮРОВАЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое брошюралайдиган, брошюровка қиладиган; брошюралаш...; ~**ая маши́на** брошюровка қиладиган машина, брошюралаш машинаси.

БРОШЮРОВА́ТЬ, -рую́, -ру́ешь *несов. что* брошюраламоқ, брошюровка қилмоқ, жузлаб тахламоқ, тикмоқ.

БРОШЮРО́ВКА *ж по гл.* **брошюрова́ть.**

БРОШЮРО́ВОЧНЫ/Й, -ая, -ое брошюровка қиладиган, жузлаб тахлайдиган, тикадиган; брошюралаш...; брошюровка...; ~**е рабо́ты** брошюровка ишлари; ~**й цех** брошюровка (брошюралаш) цехи.

БРОШЮРО́ВЩИК *м* брошюровкачи, брошюраловчи.

БРОШЮРО́ВЩИЦА *м* брошюровкачи аёл.

БРУДЕР *м* брудер (жўжахонани иситиш учун хизмат қиладиган иситкич).

БРУДЕРШАФТ: пить (на) ~ бир-бирини сансирашга ўтиш учун чўқиштириб ичишмоқ.

БРУС *м, мн.* **-сья 1** брус (чорқирра ёки бошқа шаклдаги ёғоч, темир ва ҳ. к.); **деревя́нный** ~ ёғоч брус; **2** *то же, что* **брусо́к** 1; ✦ **паралле́льные** ~**ья** *спорт.* параллел бруслар (гимнастика асбоби).

БРУСКО́В/ЫЙ, -ая, -ое брусок шаклидаги, чорқирра; ~**ое мы́ло** чорқирра совун.

БРУСНИ́К/А *ж* брусника (бутаси ва меваси); **собира́ть** ~**у** брусника термоқ; **варе́нье из** ~**и** брусника мураббоси.

БРУСНИ́ЧН/ЫЙ, -ая, -ое брусникага оид; брусникадан қилинган, брусника...; ~**ый куст** брусника бутаси (ёки тупи); ~**ое варе́нье** брусника мураббоси; ~**ый цвет** брусника ранги, қизил ранг.

БРУС/О́К *м, р.* **-ска́ 1** чорқирра қайроқтош; умуман қайроқ; **точи́ть нож** ~ **ко́м** қайроқ билан пичоқ қайрамоқ; 2 узунчоқ чорқирра нарса, бўлак; ~**о́к мы́ла** бир бўлак чорқирра совун.

БРУСО́ЧЕК *м, р.* **-чка** *уменьш. от* **брусо́к** кичкина брус, қайроқча, кичкина қайроқ.

БРУ́СТВЕР *м* бруствер (окоп тепасига уюлган тупроқ, окоп олдидаги ясама дўнглик).

БРУСЧА́ТКА *ж собир.* кўчага ётқизиладиган чорқирра тошлар; 2 *разг.* чорқирра тош терилган йўл.

БРУСЧА́Т/ЫЙ, -ая, -ое 1 бруслардан қилинган, қурилган; 2 чорқирра тош ётқизилган; ~**ая мостова́я** чорқирра тош ётқизилган йўл.

БРУ́ТТО *нескл.* брутто (идиши билан биргаликдаги); **вес** ~ брутто (идиш билан биргаликдаги) оғирлиги; *ср.* **не́тто.**

БРУЦЕЛЛЁЗ *м* бруцеллёз (одамга ҳайвонлардан ўтадиган юқумли касаллик).

БРУЦЕЛЛЁЗНЫЙ, -ая, -ое бруцеллёзга оид; бруцеллёз...

БРЫЖЕ́ЙКА *ж, р. мн.* **-е́ек** қатқорин.

БРЫЗГАТЬ, -зжу, -зжешь и **-аю, -аешь** *несов.* **1** *(сов.* **бры́знуть)** *на кого-что чем, что* сочмоқ, сачратмоқ, пуркамоқ, сепмоқ; ~ **водо́й** сув сачратмоқ, сув сепмоқ; ~ **бельё** кийимга сув пуркамоқ; **2** *(сов.* **бры́знуть)** сачрамоқ, томчиламоқ; сочилмоқ; **и́скры бры́зжут** учқун сочилмоқда; **бры́зжет ме́лкий дождь** майда ёмғир томчилаяпти (севалаб ёғяпти); **3** *перен.* сочилмоқ, сезилмоқ; **ирони́я бры́зжет в ка́ждом его́ сло́ве** унинг ҳар бир сўзидан истеҳзо сезилиб турибди.

БРЫЗГА́ТЬСЯ, -зжусь, -зжется и **-аюсь, -аешься** *несов.* **1** *чем* сачрамоқ, сочилмоқ, сепилмоқ; 2 сепишмоқ, сочишмоқ; бир-бирига сепмоқ, сочмоқ.

БРЫ́ЗГИ *мн.* **1** томчи, қатра; **2** учқун.

БРЫЗНУ/ТЬ 1 *см.* **бры́згать** 1, 2; **2** тизиллаб (шариллаб) отилмоқ, отилиб чиқмоқ; ~**ть струёй** тизиллаб отилиб чиқмоқ; **кровь** ~**ла из ра́ны** ярадан қон тизиллаб отилиб чиқди; **у неё слёзы** ~**ли из глаз** унинг кўзидан ёш оқиб кетди; **3** *перен.* ялт этиб чиқмоқ, кўринмоқ, сочилмоқ (қуёш нури, ёруғлик ҳақида): **Бры́знули лучи́ весе́ннего со́лнца и заигра́ли на воде́** (М. Горький) Ялт этиб чиққан қуёш нури сув бетида ўйнай бошлади.

БРЫКА́ТЬ *несов. (сов.* **брыкну́ть)** *разг.* **1** *кого-что* тепмоқ, тепкиламоқ, шатталамоқ, шатта отмоқ, тепиб олмоқ; **2** оёқларини типирчилатмоқ.

www.ziyouz.com kutubxonasi

БРЫКА/ТЬСЯ *разг.* 1 *(сов.* **брыкну́ться)** *то же, что* **брыка́ть**; 2 тепмоқ, тепонғич бўлмоқ; **не подходи́, э́та ло́шадь ~ется** бу отнинг олдига борма, тепиб олади (тепонғич); 3 бир-бирини тепмоқ, тепишмоқ; 4 қайсарлик қилмоқ, ўжарлик қилмоқ, туриб олмоқ.

БРЫКЛИ́ВЫЙ, **-ая**, **-ое** тепағон, тепонғич.

БРЫКНУ́ТЬ *сов. однокр. см.* **брыка́ть.**

БРЫКНУ́ТЬСЯ *сов. однокр. см.* **брыка́ться** 1.

БРЫ́НЗА *ж* бринза (шўртанг пишлоқ).

БРЫСЬ *межд.* пишт.

БРЮЗГА́ *м* и *ж* минғир-минғир одам; жаврақи, вайсақи.

БРЮЗГЛИ́ВОСТЬ *ж* минғир-минғирлик, жаврақилик, вайсақилик, кўп нолиш.

БРЮЗГЛИ́ВЫЙ, **-ая**, **-ое** ҳадеб нолийверадиган, минғир-минғир, вайсақи.

БРЮЗЖА́НИЕ *с по гл.* **брюзжа́ть.**

БРЮЗЖА́ТЬ *несов. (сов* **пробрюзжа́ть)** ҳадеб нолиймоқ, минғирламоқ, минғир-минғир қилмоқ, жаврамоқ, вайсамоқ.

БРЮ́КВА *ж* брюква (шолғомсимон сабзавот).

БРЮКВЕ́ННЫЙ, **-ая**, **-ое** брюквага оид; брюквадан қилинган (тайёрланган); брюква...; **~ая ботва́** брюква барглари; **~ый со́ус** брюква соус.

БРЮКИ *мн.* шим, чалвар.

БРЮНЕ́Т *м* брюнет (қорачадан келган одам, қора сочли киши).

БРЮНЕ́ТКА *ж, р. мн.* **-ток** брюнетка; брюнет (қорачадан келган) аёл.

БРЮХА́СТЫЙ, **-ая**, **-ое** кажава қорин, мешқорин, қорни катта, қориндор.

БРЮХА́Т/ЫЙ, **-ая**, **-ое** 1 *то же, что* **брюха́стый**; 2 **~ая** ҳомиладор.

БРЮХ/О́ *с* 1 қорин (ҳайвонларда); 2 *прост.* қурсоқ, қорин; **отрасти́ть ~о** қорин қўймоқ, қорин солмоқ; ✦ **наби́ть себе́ ~о** қоринни тўлдирмоқ, қорин қаппайтирмоқ; **по́лзать на ~е** *перед кем* оёғига бош урмоқ, лаганбардорлик қилмоқ, ялтоқланмоқ, олдида жилпангламоқ.

БРЮХОНО́ГИЕ *мн., р.* **-их** *зоол.* қориноёқлилар.

БРЮ́ЧНЫ/Й, **-ая**, **-ое** шимга оид; шимбоп, шимли; шим...; **~е пу́говицы** шим тугмалари.

БРЮШИ́Н/А *ж* қорин пардаси; **воспале́ние ~ы** қорин пардасининг яллиғланиши.

БРЮШК/О́ *с* 1 *уменьш. от* **брю́хо** қоринча; 2 *разг. шутл.* катта қорин, мешқорин; **мужчи́на с ~о́м** қорни катта одам; 3 қорин, тўш (майда ҳайвон ва қушларда); **~о́ ча́йки** чайканинг қорни (тўши); 4 бўғинли жониворларнинг кети, думи; **полоса́тое ~о́ шмеля́** тукли аринининг чипор кети; 5 *мн.* **~и́** қорин териси, мўйнаси; қорин гўшти; **шу́ба из ~ов бе́лки** олмахон(тийин) мўйнасининг қорин қисмидан тикилган пўстин; **копчёные ~и́ осётра** осётр балиғининг дудланган қорин гўшти.

БРЮШН/О́Й, **-а́я**, **-о́е** қоринга оид; қорин...; **~а́я по́лость** қорин бўшлиғи; ✦ **~о́й тиф** брюшной тиф, ич терлама.

БРЯ́КАТЬ *несов. см.* **бря́кнуть.**

БРЯ́КАТЬСЯ *несов. см.* **бря́кнуться.**

БРЯ́КНУ/ТЬ *сов. и однокр. (несов.* **бря́кать)** 1 шақилламоқ, тарақламоқ, жарангламоқ; 2 *чем* шақиллатмоқ, тарақлатмоқ, жаранглатмоқ; **~ть посу́дой** идишларни шақиллатмоқ (жаранглатмоқ); 3 *кого-что* тақ этиб қўймоқ; тарақлатиб урмоқ(уриштирмоқ); ташлаб (туширибюбормоқ; **~л подно́с на стол** патнисни тақ этиб столнинг устига қўйди; **~л посу́ду на пол** идишни тарақлатиб ерга туширибюборди; 4 *перен.* ўринсиз гапирмоқ, тарс этиб гапириб қўймоқ, қўрслик қилмоқ; **~ть несура́зицу** тарс этиб келишмаган гап қилмоқ.

БРЯ́КНУТЬСЯ *сов.* и *однокр. (несов.* **бря́каться)** гурс этиб урилмоқ, тарс этиб тегмоқ, гурсиллаб тушмоқ.

БРЯЦА́НИЕ *с* 1 *по гл.* **бряца́ть**; 2 данғиллаш, жаранглаш; жаранг-журунг овоз; ~ **буби́ков** қўнғироқчаларнинг жаранглаши (жаранг-журунг овози).

БРЯЦА́ТЬ *несов. (сов.* **пробряца́ть)** 1 данғилламоқ, жаранглатмоқ; 2 *чем* данғиллатмоқ, жаранглатмоқ; **~ шпорами** шпораларини жаранглатмоқ; ✦ **~ ору́жием** қилич яланғочламоқ, қуролни пеш қилмоқ, уруш билан дўқ урмоқ (пўписа қилмоқ, таҳдид солмоқ).

БУБЕН *м, р.* **-бна** доира, чилдирма; **бить в ~** доира чалмоқ.

БУБЕНЦЫ *мн. (ед.* **бубене́ц** *м)* шиқилдоқлар; қўнғироқчалар.

БУБЕ́НЧИКИ *мн. (ед.* **буби́нчик** *м) уменьш. от* **бубенцы́.**

БУБЛИК *м* бублик (катта йўғон тешик кулча).

БУБНИ́СТ *м* чилдирмачи, доира чалувчи.

БУБНИ́ТЬ *несов. (сов.* **пробубни́ть)** *разг.* бир ун билан гапирмоқ, тинмай гапирмоқ, пўнғилламоқ, тўнғилламоқ; **~ себе́ под нос** тўнғилламоқ, пўнғилламоқ; **~ по телефо́ну** телефонда тинмай гапирмоқ.

БУБНО́ВЫЙ, **-ая**, **-ое** *карт.* ғиштин...; **~ый туз** ғиштиннинг тузи.

БУБНЫ *мн., р.* **-бён** *карт.* ғиштин.

БУБО́Н *м* бубон (ламфа безларининг шишуви — қўлтиққа, чов орасига без келиши).

БУГА́Й *м обл.* буқа.

БУГО́Р *м, р.* **-гра́** 1 тепа, дўнг, баландлик; 2 бўртиқ, дўнг, шиш.

БУГОРО́К *м, р.* **-рка́** 1 *уменьш. от* **буго́р** тепача, дўнгча; 2 *мед.* бўртмача, бўртиқ; **туберкулёзный ~** сил бўртмачаси (шиши).

БУГО́РЧАТ/ЫЙ, **-ая**, **-ое** ғадир-будур, ғудда-ғудда; **~ая пове́рхность** ғадир-будур сирт.

БУГРИСТ/ЫЙ, **-ая**, **-ое** 1 паст-баланд, ўйдим-чуқур; **~ое по́ле** паст-баланд ер (майдон); 2 ғадир-будур, ғудда-ғудда; **~ый лоб** ғудда-ғудда пешана.

БУДДИ́ЗМ *м* буддизм, будда дини.

БУДДИ́ЙСК/ИЙ, **-ая**, **-ое** буддизмга, будда динига оид; буддизм...; будда...; **~ое учéние** буддизм таълимоти; **~ая религия** будда дини.

БУДДИ́СТ *м* будда динидаги киши, буддойи.

БУДДИ́СТКА *ж, р. мн.* **-ток** буддойи аёл.

БУДЁНОВЕЦ *м, р.* **-вца** *ист.* будённийчи.

БУДЁНОВКА *ж, р. мн.* **-вок** будёновка (будённийчилар бош кийими ва шу формадаги болалар қалпоғи).

БУ́ДЕТ 1 *см.* **быть**; 2 бўлади, бор; **ему́ лет со́рок ~** унинг ёши қирқларда бор, у қирқларга борган; 3 *в знач. нареч. разг.* бас, етар, бўлар; кифоя; **~ вам разгова́ривать!** етар, кўп гапираверманг!; **~ с меня́!** мениги бўлди!; менга шунинг ўзи етар!

БУДИ́ЛЬНИК *м* будильник (уйғотадиган соат); **встава́ть по ~у** будильник бонги билан уйғонмоқ (ўрнидан турмоқ).

БУ́ДИТЬ, **бужу́**, **бу́дишь** *несов.* 1 *(сов.* **разбуди́ть)** *кого* уйғотмоқ, уйғотиб ўрнидан турғизмоқ; 2 *(сов.* **пробуди́ть)** *перен. что* қўзғамоқ, қўзғатмоқ, туғдирмоқ; **~ не́нависть к врагу́** душманга нисбатан нафрат ҳиссини қўзғамоқ, душманга нафрат туғдирмоқ; 3 *(сов.* **пробуди́ть)** *перен. кого-что* уйғотмоқ, ҳаракатга келтирмоқ, бахш этмоқ; **~ акти́вность** активлигини уйғотмоқ, активлик бахш этмоқ.

БУ́ДКА *ж, р. мн.* **бу́док** будка; **сторожева́я ~** қоровул будкаси, қоровулхона; **железнодоро́жная ~** темир йўл будкаси; **телефо́нная ~** телефон будкаси; ✦ **суфлёрская ~** суфлёр будкаси (саҳнада).

БУ́ДН/И *мн.* 1 иш кунлари, бегим кунлари; **по ~ям** иш кунлари(да); **трудовы́е ~и** оддий иш кунлари; **суро́вые ~и войны́** урушнинг оғир, беҳаловат кунлари.

БУ́ДНИ/Й: **~й день** оддий кун, иш куни, бегим куни; **по ~м дням** иш кунлари(да).

БУ́ДНИЧН/ЫЙ, **-ая**, **-ое** и **БУДНИ́ШНИЙ**, **-яя**, **-ее** 1 кундалик, ҳар кунги, оддий; **~ый день** оддий кун, оддий иш куни, бегим куни; **~ые забо́ты** ҳар кунги ташвиш; 2 кундалик, ҳар куни кийиладиган; **в ~ом пла́тье** кундалик кўйлакда; ҳар куни кийиладиган кийимда; 3 *перен.* ҳаловатсиз; бир зайлдаги; **~ая жизнь** ҳаловатсиз ҳаёт; бир зайлдаги ҳаёт.

БУДОРА́ЖИТЬ *несов. (сов.* **взбудора́жить)** 1 *что* тартибни бузмоқ, бетартиб-бесаранжом (остин-устин) қилмоқ;

www.ziyouz.com kutubxonasi

2 *кого-что* безовта қилмоқ, қўзғамоқ, қўзғатмоқ, уйғотмоқ, ҳаяжонга келтирмоқ, ғулув солмоқ.

БУДОРАЖИТЬСЯ *несов.* (*сов.* **взбудора́житься**) безовта бўлмоқ, қўзғалмоқ, уйғонмоқ, ҳаяжонга келмоқ.

БУДО́ЧНИК *м разг.* 1 будкадаги қоровул (мас., темир йўлда); 2 Революциядан илгариги Россияда: будкада турувчи полиция ходими.

БУ́ДТО 1 *союз сравн.* -дек, худди, сингари, ...ўхшаш; **он молчи́т, ~ не слы́шит** у худди эшитмаётгандек, чурқ этмай турипти; 2 *союз сравн.* гўё, гўёки; **он уверя́ет, ~ не знал** у гўё билмасдим (билмаган эдим, хабарим йўқ эди) деб ишонтирмоқчи бўлади; 3 *частица разг.* гўёки, худди; **посмотри́, ~ кто-то идет** қара, худди биров келаётганга ўхшайди; 4 *частица вопросит. разг.* йўғе, наҳотки гўё; **я винова́т ~?** гўё мен айбдор эмишман?

БУ́ДУ *см.* **быть; ✦(я) не я ~** агар ...маса отимни бошқа қўяман.

БУДУА́Р *м* будуар (1 бой хотинларнинг алоҳида қабулхонаси; 2 шундай хона учун белгиланган мебель).

БУДУА́РН/ЫЙ, -ая, -ое будуарга оид; будуарда турадиган, будуар...; **~ая ме́бель** будуар мебели.

БУ́ДУЧИ *см.* **быть; ~ в командиро́вке, я встре́тил шко́льного това́рища** командировкада бўлган вақтимда мактабдош ўртоғимни учратиб қолдим.

БУ́ДУЩ/ИЙ, -ая, -ее 1 келгуси, келгусидаги, келаси, бўлғуси, келажак; нариги; **~ее поколе́ние** келажак авлод; **в ~ем году́** келгуси йилда; **на ~ей неде́ле** келаси (нариги) ҳафтада; 2 *в знач. сущ.* **~ее** *с* келажак, истиқбол; **в недале́ком ~ем** яқин келажакда; **све́тлое ~ее** порлоқ келажак; **✦ ~ее вре́мя** *грам.* келаси замон.

БУ́ДУЩНОСТЬ *ж* келажак, истиқбол; **~хи́мии** химиянинг келажаги; **блестя́щая ~** порлоқ истиқбол.

БУЁК *м, р.* **буйка́** *уменьш. от* **буй**.

БУЕР *м, мн.* **-а́** буер (музда юрадиган елканли чана, енгил елканли қайиқ).

БУЕРАК *м обл.* чуқур жар, сув ўпириб кетган ер, кичик сой.

БУЕРА́ЧНЫЙ, -ая, -ое жар-сойлари кўп, сержар.

БУЕРИ́СТ *м* буерист, буерчи (буер спорти билан шуғулланувчи спортсмен).

БУЕ́РНЫЙ, -ая, -ое буерга оид; буер...; **~ спорт** буер спорти.

БУЖ *м, р.* **-а́** *мед.* буж (найчасимон аъзоларни текшириш ва даволаш учун қўлланиладиган асбоб).

БУЖЕНИ́НА *ж* буженина (махсус тайёрланган чўчқа гўшти).

БУЗА́ I *ж обл.* бўза.

БУЗА́ II *ж прост.* тўполон, жанжал, ғалва, ғовға.

БУЗИ́ЛА *м прост. то же, что* **бузотёр**.

БУЗИ́НА *ж* бузина, маржон (қизил мевали бута ёки дарахт ва унинг меваси).

БУЗИ́ННИК *м* бузиназор (маржон бутаси, дарахти ўсган жой).

БУЗИ́ННЫЙ, -ая, -ое бузинага, маржон дарахтига (бутасига) оид; бузина...; **~ цвет** қизил ранг.

БУЗИ́НОВЫЙ, -ая, -ое бузинага, маржон дарахтига (бутасига) оид; бузина...; **~ куст** бузина бутаси.

БУЗИ́ТЬ, -и́шь *несов. прост.* тўполон қилмоқ, жанжал қилмоқ, ғалва кўтармоқ, шовқин (ғовға) солмоқ.

БУЗОТЁР *м прост.* жанжалкаш, тўполончи, ғалвачи.

БУЙ *м* буй (сувда саёзлик, йўл ва ҳ. к. ни кўрсатадиган қалқович белги).

БУЙВО́Л *м* буйвол (буқалар кенжа оиласига мансуб ҳайвон).

БУЙВОЛИ́ЦА *ж* урғочи буйвол.

БУЙВОЛО́В/ЫЙ, -ая, -ое буйволга оид; буйвол...; **~ая ко́жа** буйвол териси.

БУ́ЙНО *нареч.* тез, шиддат билан, авж олиб, гуркираб, қийғос; **~ расти́** тез авж олмоқ, гуркираб ўсмоқ.

БУЙН/ЫЙ, -ая, -ое; бу́ен, бу́йна 1 феълн тез, баттол, тўполончи; бебош, авбош, асов; қутурган; **~ый хара́ктер** феълн тезлик; тўполончилик; **Бу́йные молоды́е лю́ди вломи́лись в воро́та...** (Пушкин) Авбош йигитлар дарвозадан бостириб киришди...; 2 кучли, шиддатли, қаттиқ; **~ый ве́тер** кучли шамол; 3 тез авж олган, гуркираган, баравж; **~ые побе́ги** баравж новдалар, гуркираб ўсаётган (авж олган) новдалар; **✦ая голо́вушка** *см.* **голо́вушка; ~ое помеша́тельство** ёмон жиннилик, ашадди жиннилик.

БУЙСТВО *с* жанжал-тўполон, бебошлик, қутуриш.

БУЙСТВОВАТЬ *несов.* жанжал-тўполон қилмоқ, қутурмоқ, ҳаддан ошмоқ.

БУК *м* бук, қора қайин.

БУК/А *м* и *ж разг.* 1 бўжи, олабўжи; 2 *перен.* одам иси ёқмайдиган зот; бадқовоқ (ўшшайган) одам, одамови, одамёввойи; **✦ сиде́ть ~ой** ўшшайиб ўтирмоқ; **смотре́ть ~ой** қовоқ солмоқ, хўмрайиб қарамоқ.

БУКА́ШКА *ж, р. мн.* **-шек** майда ҳашарот, қурт-қумурсқа.

БУ́КВ/А *ж* 1 ҳарф; **прописна́я ~а** катта (бош) ҳарф; **строчна́я ~а** кичик ҳарф; **нача́льная ~а** бош ҳарф; **по ~ам** ҳарфма-ҳарф; ҳижжалаб; 2 *перен. чего* бирор нарсанинг формал томони, қуруқ ҳарфлари; **~а зако́на** қонуннинг формал томони, формал талқини; **✦ остава́ться (или быть) мёртвой ~ой** қоғоздагина қолмоқ, амалга ошмай қоғозда қолиб кетмоқ; **~а в ~у** айнан, сўзма-сўз, оқизмай-томизмай.

БУКВА́ЛЬНО *нареч.* 1 сўзма-сўз, айнан, аслига мувофиқ; 2 *разг.* ҳеч бир муболағасиз, том маъноси билан; **он ~ все дни за́нят** у деярли ҳар куни банд, у доимо банд.

БУКВА́ЛЬНЫЙ, -ая, -ое 1 аслига мувофиқ бўлган, аслига мувофиқ, сўзма-сўз, айнан; **~ый перево́д** сўзма-сўз (қилинган) таржима; 2 том маънодаги, ўз (асл) маъносидаги, аниқ, тўппа-тўғри; **в ~ом смы́сле сло́ва** сўзнинг асл маъносида.

БУКВА́РНЫЙ, -ая, -ое алифбега оид; алифбе...

БУКВА́РЬ *м, р.* **-ря́** алифбе (китоби).

БУ́КВЕННЫЙ, -ая, -ое ҳарфий, ҳарф билан ифодаланган; **~ое обозначе́ние** ҳарфий белги; ҳарф билан кўрсатиш (белгилаш).

БУКВОЕ́Д *м пренебр.* ҳарфхўр, расмиятчи, қуруқ ҳарфларига (формал томонига) ёпишувчи.

БУКВОЕ́ДСТВО *с пренебр.* ҳарфхўрлик, расмиятчилик, қуруқ ҳарфларига, формал томонига ёпишиб олиш.

БУКЕ́Т *м* 1 букет, гулдаста; **~ роз** бир даста атр гул, атр гул букети, дастаси; 2 ажойиб ҳид, таъм; хушбўйлик, хуштаъмлик.

БУКИНИ́СТ *м* букинист, саҳҳоф (эски ва нодир китоблар сотувчи).

БУКИНИ́СТИЧЕСК/ИЙ, -ая, -ое букинистик, эски ва нодир китоблар сотадиган (сотиладиган); **~ий магази́н** букинистик магазин; **✦ ~ая кни́га** нодир китоб.

БУКЛЕ́Т *м* буклет (буклама реклама, йўл кўрсаткич, шаҳар плани ва ш. к.).

БУ́КЛИ *мн.* (*ед.* **бу́кля** *ж*) *уст. то же, что* **ло́кон**.

БУКО́ВКА *ж, р. мн.* **-вок** *уменьш. от* **бу́ква** кичкина (жажжи) ҳарф, ҳарфча.

БУКО́В/ЫЙ, -ая, -ое 1 букка, қора қайин дарахтига оид; бук (қора қайин) ёғочидан қилинган; бук...; **~ый лес** бук ўрмони; **~ая ме́бель** бук мебель; 2 *в знач. сущ.* **~ые** *мн. бот.* буклар, қора қайинлар.

БУКО́ЛИКА *ж лит.* буколика (чўпонлар ва қишлоқ ҳаёти идеаллаштириб тасвирланган адабий асар тури).

БУКОЛИ́ЧЕСКИЙ, -ая, -ое *лит.* буколикага оид; буколикага мансуб бўлган.

БУКС *м то же, что* **самши́т**.

БУ́КСА *ж* букса (вагон, локомотив ғилдирагининг гупчаги).

БУКСИ́Р *м* 1 буксир, шатакчи кема; 2 буксир, шатак арқон (трос); **тяну́ть на ~е** буксир билан (шатакка олиб) тортмоқ; **✦ брать (взять) на ~** *кого разг.* шатакка олмоқ, кўмаклашмоқ, ёрдамлашмоқ; **идти́ на ~е** *у кого разг.* кимсанинг кўмаги остида (кўмаги билан) юрмоқ, ишламоқ.

БУКСИ́РН/ЫЙ -ая, -ое буксирга, шатакка олувчи, шатакчи; буксир...; шатак...; **~ый трос** буксир троси (арқони); **~ое су́дно** шатакчи кема

БУКСИ́РОВАНИЕ *с по гл.* **букси́ровать**.

www.ziyouz.com kutubxonasi

БУКСИРОВАТЬ *несов. что* буксирга (шатакка) олмоқ, шатакка олиб тортиб бормоқ.

БУКСИРОВКА *ж то же, что* **буксирование.**

БУКСОВАТЬ, -сýет *несов.* шатаксирамоқ, жойдан жилмай айланмоқ, чарх урмоқ (ғилдирак ҳақида).

БУЛАВА *ж* 1 *ист.* гурзи, чўқмор, тўқмоқ; 2 *ист.* асо (чўқмор шаклидаги белги); **гéтманская ~** гетман асоси; 3 *спорт.* чўқмор (спорт асбоби).

БУЛА́ВК/А *ж, р. мн.* **-вок** булавка, нина тўғнағич; **~а для га́лстука** галстук тўғнағичи; ✦ **дéньги на ~и** *уст.* пардоз-андоз (упа-элик) пули.

БУЛАВОЧН/ЫЙ, -ая, -ое булавкага, нина тўғнағичга оид; булавка...; **~ая голóвка** тўғнағич боши; ✦ **с ~ую голóвку** тўғнағич бошидек, кичкина, зиғирча, зиғирдек; **~ые укóлы** нинадек санчиладиган гап, оғир гап.

БУЛА́НЫЙ, -ая, -ое думи ва ёли қора саман (от ҳақида); **~ конь** думи ва ёли қора саман от.

БУЛА́Т *м* 1 қадимий асл пўлат; 2 *уст. поэт.* шамшир, қилич.

БУЛА́ТНЫЙ, -ая, -ое Дамашқ пўлатидан ясалган; пўлат...; **~ меч** пўлат қилич.

БУ́ЛКА *ж, р. мн.* **бýлок** булка, булка нон; **~ с изю́мом** майизли бўлка.

БУ́ЛЛА *ж* Рим папасининг ёрлиғи, фармони, фатвоси.

БУЛО́ЧНАЯ *ж, р.* **-ой** нон дўкони, магазини.

БУ́ЛОЧНИК *м* 1 *уст.* булкачи, булка дўконининг эгаси; булка сотувчи; 2 булка пиширувчи, булкапаз.

БУ́ЛОЧНИЦА *ж* 1 *см.* **бýлочник**; 2 *уст.* булкачининг хотини.

БУ́ЛОЧНЫ/Й, -ая, -ое булкага оид; булка...; **~е изде́лия** булка маҳсулотлари, турли хил булка нонлар.

БУЛТЫХ *межд. в знач. сказ. разг.* шалоп; шалоп этиб; **~ в вóду!** шалоп этиб сувга тушиб кетди!

БУЛТЫХА́ТЬ *несов. (сов.* **бултыхнýть**) 1 *что разг.* чайқалтирмоқ; аталамоқ; 2 *кого-что* шалоп этиб ташламоқ; 3 *без доп. то же, что* **бултыха́ться** 1.

БУЛТЫХА́/ТЬСЯ *несов.* 1 *(сов.* **бултыхнýться**) шалоп этиб тушмоқ, шалоп этиб ўзини ташламоқ; 2 типирчиламоқ, типир-типир қилмоқ (сув, лой ва ҳ. к. да); 3 шалопламоқ, чайқалмоқ; **вода́ ~лась в бóчке** бочкадаги сув шалоплар эди.

БУЛТЫХНУ́ТЬ и **БУЛТЫХНУТЬ** *сов. однокр. см.* **бултыха́ть.**

БУЛТЫХНУ́ТЬСЯ и **БУЛТЫХНУТЬСЯ** *сов. однокр. см.* **бултыха́ться** 1.

БУЛЫЖНИК *м* йирик тош, чағиртош, йўлга ётқизиладиган тош.

БУЛЫЖН/ЫЙ, -ая, -ое тош ётқизилган; тош...; **~ая мостова́я** тош ётқизилган йўл, тош йўл.

БУЛЬ-БУЛЬ *межд.* қул-қул, қулт-қулт, ғилқ-ғилқ.

БУЛЬВА́Р *м* бульвар, хиёбон.

БУЛЬВА́РН/ЫЙ, -ая, -ое 1 бульварга, хиёбонга оид; бульвар...; хиёбон...; 2 *перен.* тутуриқсиз, бадиий жиҳатдан паст, суюқ, бемаза, саёз, ғоясиз; **~ая пье́са** бадиий жиҳатдан паст пьеса, ғоясиз пьеса; **~ая пре́сса** тутуриқсиз матбуот.

БУЛЬВА́РЩИНА *ж презр.* 1 *собир.* бадиий жиҳатдан паст (суюқ, бемаза, ғоясиз) асарлар; 2 шундай асарларга хос мазмун, сюжет.

БУЛЬДО́Г *м* бульдог (тумшуғи тўмтоқ, жағи кучли ит).

БУЛЬДО́Ж/ИЙ, -ья, -ье *прил. от* **бульдóг** бульдогга оид; бульдог...; ✦ **~ья хва́тка** қаттиқ тишлаш (ушлаш); хиппа бўғиш.

БУЛЬДО́ЗЕР *м* бульдозер.

БУЛЬДОЗЕРИ́СТ *м* бульдозерчи, бульдозер ҳайдовчи.

БУЛЬДО́ЗЕРНЫЙ, -ая, -ое бульдозерга оид; бульдозер...

БУЛЬКАНЬЕ *с* 1 қулқуллаш, қулқ-қулқ (қулт-қулт) қилиш; 2 қулқуллаган товуш; қулт-қулт, қулқ-қулқ.

БУ́ЛЬКА/ТЬ *несов. (сов.* **бýлькнуть**) қулқулламоқ, қулқ-қулқ (қулт-қулт) қилмоқ.

БУ́ЛЬКНУТЬ *сов. однокр.* 1 *см.* **бýлькать**; 2 *разг.* шалоп этиб тушмоқ, йиқилмоқ; **~ в вóду** шалоп этиб сувга тушмоқ; шалоп этиб сувга йиқилмоқ.

БУЛЬО́Н *м* бульон, қуруқ қайнатма шўрва; **кури́ный ~** товуқ бульони, қуруқ товуқ шўрва.

БУЛЬО́НН/ЫЙ, -ая, -ое бульонбоп, шўрвабоп, шўрвалик, бульон...; **~ое мя́со** бульонбоп гўшт, бульонда пишган гўшт, бульон гўшти.

БУМ I *межд.* гум, гум-гум, донг-дунг, жаранг-журунг; ✦ **ни ~ - ~** (не знать, не понима́ть) *прост.* ҳеч нарса билмайди, тушунмайди.

БУМ II *м разг.* сунъий овоза, шов-шув; **биржево́й ~** биржада кўтарилган шов-шув; **газе́тный ~** газета шов-шувлари.

БУМ III *м спорт.* бум, хода (гимнастика снаряди); **ходи́ть по ~у** бумда юрмоқ.

БУМА́Г/А I *ж* 1 қоғоз; **кури́тельная ~а** папирос қоғоз; **пи́счая ~а** ёзув қоғози; **почто́вая ~а** почта қоғози; **цветна́я ~а** рангли қоғоз; 2 ҳужжат, расмий қоғоз; **пришла́ ~а на ва́ше и́мя** сизнинг номингизга қоғоз (хат) келди; 3 *мн.* **~и** қоғоз пул ва ҳ. к.; **це́нные ~и** қимматли қоғозлар (қоғоз пул, облигация, вексель ва ҳ. к.); 4 *разг.* шахсий хат-ҳужжат; **у него́ все ~и в поря́дке** унинг ҳамма хат-ҳужжатлари жойида; 5 *мн.* ~ қоғозлар (қўл ёзма ва ҳ. к.); **разбира́ть ~и** қоғозларни тартибга солмоқ; ✦ **на ~е быть (остава́ться)** қоғозда қолмоқ (қолиб кетмоқ), бажарилмай қолмоқ; **~ а всё те́рпит** *ирон.* ёзишдан осони йўқ, ёзган билан бўлавермайди (*л. м.* қоғоз ҳамма нарсани кўтаради).

БУМА́ГА II *ж уст.* пахта; пахта ипдан қилинган газлама, ип газлама.

БУМАГОМАРА́НИЕ *с разг. ирон.* бўлар-бўлмас нарсалар ёзиш, бўлмағур нарсалар ёзиб қоғозни увол қилиш.

БУМАГОМАРА́ТЕЛЬ *м разг. ирон.* бўлар-бўлмас ёзувчи, истеъдодсиз, нўноқ ёзувчи.

БУМАГОПРЯДЕ́НИЕ *с уст.* ип йигириш.

БУМАГОПРЯДИ́ЛЬНЫЙ, -ая, -ое *уст.* ип йигирадиган; ип йигириш...; йигирув...; **~ая фа́брика** ип йигириш фабрикаси; йигирув фабрикаси.

БУМА́ЖКА *ж, р. мн.* **-жек** 1 бир парча қоғоз, қоғоз парчаси, варағи; 2 *разг.* расмий қоғоз, ҳужжат; 3 *разг. уст.* қоғоз пул; **пятирублёвая ~** беш сўмлик қоғоз пул.

БУМА́ЖНИК I *м* кармон, ҳамён.

БУМА́ЖНИК II *м* қоғоз саноати ходими, ишчиси.

БУМА́Ж/НЫЙ I, -ая, -ое 1 қоғозга оид; қоғоздан қилинган, қоғоз...; **~ая фа́брика** қоғоз фабрикаси; **~ая промы́шленность** қоғоз саноати; **~ые салфе́тки** қоғоз салфеткалар; 2 *перен.* қоғоздаги, қоғоздагина қолган, амалга ошмайдиган, расмият учун қилинган; **~ая волоки́та** қоғозбозлик; ✦ **~ые де́ньги** қоғоз пул.

БУМА́Ж/НЫЙ II, -ая, -ое пахтадан, ипдан қилинган; **~ая мате́рия** ип газлама; **~ая пря́жа** ип (пахта ип).

БУМАЗЕ́ЙН/ЫЙ, -ая, -ое бумазейдан (пахмоқдан) қилинган, тикилган; бумазей...; пахмоқ...; **~ая руба́шка** пахмоқ кўйлак.

БУМАЗЕ́/Я *ж* бумазей, пахмоқ, пахмоқ газлама; пахмоқ кўйлак; **пла́тье из ~и** пахмоқ кўйлак.

БУМЕРАНГ *м* бумеранг (ўроқсимон отиш қуроли).

БУНД *м ист.* бунд (умумяҳудий майда буржуа миллий социал-демократик партия).

БУНДЕСВЕ́Р *м* бундесвер (ГФР армиясининг номи).

БУНДЕСТА́Г *м* бундестаг (ГДР қуйи палатаси).

БУ́НДОВЕЦ *м, р.* **-вца** бундчи, бунд тарафдори.

БУ́НКЕР *м* 1 бункер; хампа; **~ хлопкоубо́рочной маши́ны** пахта териш машинасининг бункери; **~ для у́гля** кўмир бункери; кўмирхона; **~ для зерна́** ғаллахона; ғалла омбори; 2 бункер (ер остидаги паноҳгоҳ); **укрыва́ться в ~е** бункерда бекиниб ётмоқ.

БУ́НКЕРНЫЙ, -ая, -ое бункерга оид; бункердаги; бункер...

БУНКЕРОВА́ТЬ, -ру́ю, -ру́ешь *несов. что* бункерламоқ, бункерга солмоқ, тўкмоқ, жойламоқ; **~ зерно́** донни бункерламоқ (бункерга солмоқ, тўкмоқ); **~ у́голь** кўмирни бункерга жойламоқ.

БУНКЕРО́ВКА *ж по гл.* **бункерова́ть.**

БУНТ I *м* қўзғолон, исён, ғалаён.

БУНТ II *м, р.* **-а́** *спец.* 1 бунт, ғарам, хирмон; **~ хло́п-**

www.ziyouz.com kutubxonasi

ка пахта бунти; пахта ғарами; 2 боғлам, уюм, даста; тўп, тах; **товáр в ~áх** уйилган мол; тахланган мол.

БУНТАРСКИЙ, -ая, -ое исёнкорлик руҳидаги, исёнкор; **~ дух** исёнкорлик руҳи.

БУНТАРСТВО *с уст.* исёнкорлик, қўзғолончилик.

БУНТАРЬ *м, р.* **-ря́** *уст.* қўзғолончи, исёнчи, исёнкор; қўзғолон (исён) қатнашчиси.

БУНТОВАТЬ, -тýю, -тýешь *несов.* 1 қўзғолон (исён) кўтармоқ, туғён тортмоқ; 2 *кого-что уст. разг.* ғазабини қўзғатмоқ, ғалаёнга солмоқ, ғалаёнлантирмоқ; **~ нарóд** халқни ғалаёнлантирмоқ; 3 *разг.* бош кўтармоқ; тўполон қилмоқ, норозилик билдирмоқ.

БУНТОВОЙ, -ая, -ое ғарамланган, тахланган, уйилган; ғарамдаги; **~ товáр** тахланган мол.

БУНТОВСК/ÓЙ, -áя, -óе исёнкорларга хос бўлган, исёнкорлик руҳидаги, исёнкорона; **~йе рéчи** исёнкорлик руҳидаги нутқ.

БУНТОВЩИК *м, р.* **-á** қўзғолончи, қўзғолон кўтарувчи, исёнчи, қўзғолон (исён) қатнашчиси.

БУНТОВЩИЦА *ж см.* **бунтовщúк.**

БУНТОУКЛАДЧИК *м* бунтлагич, ғарамлагич.

БУНЧУК *м, р.* **-á** туғ (от думи боғланган таёқ — казак атаманлари, гетманлар ва б. нинг ҳокимлик рамзи).

БУР *м тех.* бурғи, парма; **пóчвенный ~** ер ковлайдиган парма.

БУРА́ *ж* бура, танакор (рангсиз, баъзан оқ, кул ранг ёки сариқ минерал).

БУРА́В *м* парма, дастпарма.

БУРАВИТЬ, -влю, -вишь *несов. (сов.* **пробурáвить)** *что* пармаламоқ, дастпарма билан тешмоқ.

БУРА́К I *м, р.* **-á** *обл.* лавлаги, қизилча.

БУРА́К II *м, р.* **-á** *обл.* пўстлоқ сават.

БУРА́Н *м* бўрон.

БУРАННЫЙ -ая, -ое бўронли; бўрон...; **~ая зимá** бўронли қиш.

БУРБО́Н *м разг. уст.* жоҳил амалдор; жаҳолатли, қўпол одам.

БУРГОМИСТЕРСКИЙ, -ая, -ое бургомистрга оид; бургомистр...; бургомистрлик...

БУРГОМИ́СТР *м* бургомистр (баъзи давлатларда ва 18—19-асрларда Россияда: шаҳар ҳокими).

БУРДА́ *ж разг.* 1 лойқа сув, бўтана; 2 бемаза овқат, бемаза нимлик.

БУРДЮ́К *м, р.* **-á** бурдуқ, меш, саноч.

БУРДЮЧНЫЙ, -ая, -ое бурдуқда (мешда) сақланган, бурдуқдаги, мешдаги; **~ое винó** бурдуқда сақланган вино, бурдуқдаги вино.

БУРЕВЕ́СТНИК *м* бўронқуш.

БУРЕВ/ÓЙ, -áя, -óе бўрон келтирувчи, бўронли, бўрон...; **С востóка надвигáлась чёрная ~áя тýча** (Шолохов) Шарқдан бўронли қора булут бостириб келмоқда эди.

БУРЕЛО́М *м собир.* бўронда синиб тушган дарахт ва шох-шаббалар.

БУРЕ́НИЕ *с по гл.* **бурúть.**

БУРЕ́НКА *ж, р. мн.* **-нок** *разг.* қўнғир сигир; умуман сигир.

БУРЕТЬ, -éет *несов. (сов.* **побурéть)** қорамтир (қўнғир) тусга кирмоқ, қорайинқирамоқ, қораймоқ.

БУРЖУА́ *м нескл.* буржуа.

БУРЖУАЗИ́Я *ж* буржуазия; **мéлкая ~** майда буржуазия; **национáльная ~** миллий буржуазия.

БУРЖУАЗНО-ДЕМОКРАТИ́ЧЕСК/ИЙ, -ая, -ое буржуа-демократик; **~ая революция** буржуа-демократик революция.

БУРЖУАЗН/ЫЙ, -ая, -ое 1 буржуазияга оид; буржуазияга хос бўлган; буржуа...; буржуазия...; **~ ая идеолóгия** буржуа идеологияси; 2 буржуазия манфаатларига қаратилган, унинг учун хизмат қиладиган; **~ая революция** буржуа (буржуазия) революцияси.

БУРЖУ́Й *м прост.* буржуй, бой.

БУРЖУ́ЙКА *ж, р. мн.* **-ýек** 1 *прост.* буржуйка, буржуй аёл; 2 *разг.* темир печка.

БУРЖУ́ЙСКИЙ, -ая, -ое *прост.* буржуйларга оид; буржуй (лар)...

БУРИЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое бурғилашга оид; бурғилайдиган, бурғиловчи; бурғилаш...; **~ая машúна** бурғилаш машинаси; **~ый молотóк** бурғи болғаси.

БУРИ́ЛЬЩИК *м* бурғиловчи ишчи, мутахассис.

БУРИМЕ́ *с нескл.* буриме (берилган қофияда шеър тўқиш ўйини, баҳрибайт тури).

БУРИ́ТЬ *несов. (сов.* **пробурúть)** *что* бурғиламоқ, бурғилаб ковламоқ; **~ нефтянýю скважúну** нефть қудуғи ковламоқ.

БУ́РКА *ж, р. мн.* **-рок** бурка (енгсиз босма чакмон).

БУ́РКАТЬ *несов. (сов.* **бýркнуть)** *что прост.* тўнғиллamоқ, пинғилламоқ.

БУ́РКИ *мн., р. мн.* **-рок** (*ед.* **бýрка** *ж*) бурки, кигиз этик.

БУ́РКНУТЬ *сов. однокр. см.* **бýркать; ~ под нос** эшитилар-эшитилмас пинғиллаб, тўнғиллаб қўймоқ.

БУРЛА́К *м, р.* **-á** брулоқ, солдовчи, кема судровчи.

БУРЛАЦКИ/Й, -ая, -ое бурлоқларга оид; бурлоқ(лар)...; **~е пéсни** бурлоқлар қўшиғи.

БУРЛА́ЧЕСТВО *с* бурлоқлик, солдовчилик.

БУРЛА́ЧИТЬ *несов.* бурлоқлик қилмоқ, бурлоқ бўлмоқ.

БУРЛЕ́СК *м лит.* бўрттирилган (муболағали) ҳажвий тасвир (адабий асарда, саҳнада).

БУРЛИ́ВЫЙ, -ая, -ое тўлқинли, жўшқин, тошқин; **~ потóк** жўшқин оқим.

БУРЛИ́Т/Ь *несов.* 1 тўлқинланмоқ, жўш урмоқ, вақирламоқ, бурқирамоқ, айқирмоқ; **рекá ~** дарё айқирмоқда; 2 *перен.* қайнамоқ, жўшга келмоқ, туғён тортмоқ; **толпá ~** оломон қайнаяпти.

БУРМИ́СТР *м ист.* бурмистр, оқсоқол, саркор, ишбоши

БУ́РНО *нареч.* 1 тўлқинланиб, айқириб; вақирлаб, бурқираб; жўшиб; 2 *перен.* сурон билан, қайнаб-тошиб, туғён тортиб; 3 тез авж олиб, гуркираб, гуриллаб, жўшиб.

БУРНУ́С *м* бурнус, яктак, мурсак.

БУ́РН/ЫЙ, -ая, -ое; -рен, -рна 1 бўронли, довулли; бўрон аралаш; **~ая погóда** бўронли об-ҳаво; **Ночь обещáла быть ~ой** (Арсеньев) Тун бўронли бўлиши кутилар (эҳтимол) эди; 2 тўлқинли; тўлқинланиб турган, айқирган; жўшқин, тошқин; биқирлаган, бурқираган; **~ое мóре** тўлқинли, тўлқинланиб турган денгиз; 3 кучли, шиддатли, қаттиқ; **~ый порыв вéтра** шиддат билан эсган шамол; шамолнинг шиддати; 4 *перен.* воқеаларга, саргузаштларга бой, қайноқ, суронли; жўш урган, жўшқин, қизғин; **~ая жúзнь** қайноқ ҳаёт; 5 *перен.* кучли, зўр; қизғин; **~ая рáдость** зўр қувонч; **~ые спóры** қизғин тортишувлар; **~ые аплодисмéнты** гулдурос қарсаклар; 6 жуда тез, гуркираган, баравж; **~ое развúтие промышленности** саноатнинг гуркираб ривожланиши, жуда тез ўсиши.

БУРОВИ́К *м, р.* **-á** бурғиловчи, бурғилаш ишида ишловчи ишчи, мутахассис.

БУРОВ/ÓЙ, -áя, -óе 1 пармалашга оид; бурғилайдиган, бурғиловчи, бурғилаш; **~áя вы́шка** бурғилаш вишкаси; **~áя машúна** бурғилаш машинаси, пармаловчи машина; 2 бурғиланган, бурғи билан ковланган; **~áя скважúна** бурғиланган қудуқ; 3 *в знач. сущ.* **~áя** *ж* бурғилаш вишкаси, қурилмаси.

БУРОЗЕ́М *м* қорамтир (қўнғир) тупроқ.

БУ́РСА *ж* бурса (18—19-асрларда: руҳонийлар ўқув юрти).

БУРСА́К *м, р.* **-á** бурсак, бурса талабаси.

БУРСАЦК/ИЙ, -ая, -ое бурсакларга оид; бурсак(лар)...; **~ая жúзнь** бурсаклар ҳаёти.

БУРТ *м, мн.* **-ы́** уюм, тўп (похол ва ҳ. к. билан қопланган сабзавот уюми); **~ы картóфеля** картошка уюмлари.

БУРУ́Н *м, р.* **-á** оқ тўлқин, кўпикли тўлқин.

БУРУНДУ́К *м. р.* **-á** бурундуқ, оласичқон.

БУРЧА́НИЕ *с по гл.* **бурчáть.**

БУРЧ/АТЬ *несов. разг.* 1 *(сов.* **пробурчáть)** дўнғиллamоқ, минғилламоқ, пинғилламоқ, ғулдурамоқ; 2 қулдурамоқ, қулдур-қулдур қилмоқ; **в животé ~ йт** қорин қулдураяпти.

БУ́РЫЙ, -ая, -ое қорамтир, қўнғир; **~ песóк** қўнғир қум; **~ медвéдь** қўнғир айиқ; ✦ **~ýголь** кул ранг кўмир, паст навли кўмир; **~ железня́к** қўнғир темиртош.

www.ziyouz.com kutubxonasi

БУРЬЯН *м собир.* бурган, супурги ўт.

БУ́РЯ *ж* 1 довул, тўфон, бўрон; қор-ёмғир аралаш қаттиқ шамол; **поднялáсь ~** бўрон кўтарилди, бўрон қўзғалди; 2 *перен. чего* ҳис-туйғу ғалаёни, туғён; **~ востóргов** шодлик (қувонч) ҳислари; **~ негодовáния** ғазаб туғёни; ✦ **~ в стакáне воды́** арзимаган сабаб билан бўлган ғавғо (можаро, изтироб) (*л. м.* бир стакан сувдаги тўфон); **магни́тная ~** *физ.* магнит бўрони.

БУРЯ́Т *м* бурят; *см.* **буря́ты.**

БУРЯ́ТКА *ж, р. мн.* **-ток** бурят аёл, бурятка; *см.* **буря́ты.**

БУРЯ́ТСКИЙ, -ая, -ое Бурятияга ва бурятларга оид; Бурятия...; бурят(лар)...; **~ язы́к** бурят тили.

БУРЯ́ТЫ *мн. (ед.* **буря́т** *м,* **буря́тка** *ж)* бурятлар, Бурятиянинг асосий аҳолисини ташкил этган халқ.

БУ́СИНА *ж* бир дона маржон, мунчоқ.

БУ́СИНКА *ж, р.* **-нок** *уменьш.* **от бу́сина** кичкина (майда) мунчоқ, нозик.

БУССО́ЛЬ *ж спец.* буссоль (геодезияда, артиллерияда: бурчак ўлчаш асбоби).

БУ́СЫ *мн.* маржон, мунчоқ; **стекля́нные ~** шиша маржон.

БУТ *м собир. спец.* харсангтош.

БУТАФО́Р *м* бутафор (саҳна жиҳозларига қаровчи ходим, саҳна жиҳозлари устаси).

БУТАФО́РИЯ *ж* бутафория (1 саҳнадаги ясама жиҳозлар; 2 *перен.* витринага қўйилган ёлғондакам нарсалар).

БУТАФО́РСКИЙ, -ая, -ое 1 бутафорияга оид; бутафориядан иборат бўлган; 2 *перен.* қалбаки, ёлғондакам.

БУТЕРБРО́Д *м* бутерброд; **~ с сы́ром** сирли бутерброд; **~ с ма́слом** сариёғли бутерброд.

БУТИ́ТЬ, бучу́, бути́шь *несов. (сов.* **забути́ть)** *что спец.* тош ётқизмоқ; тош пойдевор қурмоқ.

БУ́ТОВ/ЫЙ, -ая, -ое харсангтошдан қилинган; харсангтош...; тош...; **~ая кла́дка** тош девор; **~ый ка́мень** харсангтош.

БУТО́Н *м* ғунча, шона.

БУТОНИЗА́ЦИЯ *ж* ғунчалаш, шоналаш, ғунча боғлаш (тугиш); **~ хлопча́тника** ғўзанинг шоналаши.

БУТОНЬЕ́РКА *ж, р. мн.* **-рок** кийимга тақилган гул ёки гулдастача.

БУ́ТСЫ *мн. (ед.* **бу́тса** *ж)* бутси (футбол ботинкаси).

БУТУ́З *м разг.* бўлиқ (бақалоқ) бола, тиқмачоқдек бола, дўмбоқ.

БУТЫЛК/А *ж, р. мн.* **-лок** 1 бутилка, шиша; **пивна́я ~а** пиво бутилкаси; **~а́ молока́** бир бутилка сут; 2 *уст.* бутилка (0,6 литрга тенг суюқлик ўлчов бирлиги); ✦ **лезть в ~у** *прост.* бекорга аччиғланмоқ, жиғи-бийрон бўлмоқ, жирилламоқ.

БУТЫЛО́ЧН/ЫЙ, -ая, -ое *прил. от* **буты́лка** 1 бутилкага оид; бутилка...; **~ое стекло́** бутилка шишаси; **~ый цвет** бутилка ранги, қўкиш ранг; 2 бутилкали, шишали, бутилка...; **~ое пи́во** бутилкали пиво.

БУТЫ́ЛЬ *ж* бутиль, катта бутилка.

БУ́ФЕР *м, мн.* **-а́** 1 буфер, лаппак (автомобиль, вагон ва ш. к. да урилиш зарбини камайтирувчи мослама); 2 *перен.* буфер, қалқон (тўқнашувчилар, тарафлар орасидаги учинчи томон).

БУ́ФЕРН/ЫЙ, -ая. -ое 1 буферга оид; буферли; буфер...; **~ое сцепле́ние ваго́нов** вагонларнинг буфер кўмагида тиркалуви; 2 *перен.* икки орада қалқон бўлган, буфер...; **~ое госуда́рство** буфер давлат (икки душман давлат орасида қалқон бўлиб қолган учинчи давлат).

БУФЕ́Т *м* буфет (1 озиқ-овқат, идиш-ёқ жавони; 2 кичкина емаккона); **театра́льный ~** театр буфети; **зайти́ в ~** буфетга кирмоқ.

БУФЕ́ТНЫЙ, -ая. -ое буфетга оид; буфет...

БУФЕ́ТЧИК *м* буфетчи.

БУФЕ́ТЧИЦА *ж* буфетчи аёл.

БУФФ *неизм. прил. театр.* қизиқ, кулгили; **о́пера- ~** кулгили опера.

БУФФОНА́ДА *ж* 1 *театр.* кулгили (қизиқ) театр томошаси; 2 *перен.* масхарабозлик, майнабозлик.

БУФФО́НИТЬ *несов. разг.* масхарабозлик (майнабозлик) қилмоқ, ўйнашмоқ.

БУ́Ф/Ы *мн.* бурма, бурмалар; **рукава́ с ~ами** бурма (ли) енг.

БУХ *межд.* 1 *звукоподр.* гум, гуп; 2 *в знач. сказ. прост.* гум (гурс) этиб тушди (урилди); шалоп **этиб** йиқилди; **~ в воду** шалоп этиб сувга тушди.

БУХА́НКА *ж, р. мн.* **-нок** буханка; **~ хле́ба** бир буханка нон.

БУ́ХАТЬ *несов. см.* **бу́хнуть** I.

БУ́ХАТЬСЯ *несов. см.* **бу́хнуться.**

БУХГА́ЛТЕР *м* бухгалтер; **гла́вный ~** бош бухгалтер.

БУХГАЛТЕ́РИЯ *ж* бухгалтерия (1 ҳисоб-китоб юритиш иши, илми; 2 идора ва муассасаларнинг ҳисоб-китоб бўлими); ✦ **двойна́я ~** *разг.* икки ёқлама бухгалтерия (мунофиқона, икки томонга ишлаш, иккиюзламалик).

БУХГА́ЛТЕРСК/ИЙ, -ая, -ое бухгалтерга ва бухгалтерияга оид; бухгалтер...; бухгалтерия...; **~ие ку́рсы** бухгалтерлар курси; **~ая кни́га** бухгалтерия дафтари; **~ий учёт** бухгалтерлик ҳисоби.

БУ́ХНУТЬ I *сов.* и *однокр. (несов.* **бу́хать)** *разг.* 1 гурсилламоқ, гумбурламоқ; **бу́хнули пу́шки** тўплар гумбурлади (гумбурлаб отилди); 2 *чем* и *без доп.* гурсиллатиб урмоқ; **~ кулако́м по столу́** мушт билан столни гурсиллатиб урмоқ; 3 *перен. прост.* гуп этиб тушмоқ (тегмоқ, йиқилмоқ); 4 *прост.* ўринсиз гап (ёки иш) қилиб қўймоқ.

БУ́ХНУТЬ II, -нет; бух, -ла *несов.* ивимоқ, бўкмоқ, нам тортиб шишмоқ.

БУ́ХНУ/ТЬСЯ *сов.* и *однокр. (несов.* **бу́хаться)** *разг.* гурс этиб тушмоқ (тегмоқ), гурсиллаб йиқилмоқ, шалоп этиб тушмоқ; **он ~лся в во́ду** у сувга шалоплаб тушди, у шалоп этиб сувга йиқилди.

БУ́ХТА I *ж* қўлтиқ, кўрфаз.

БУ́ХТА II *ж мор.* ўрам, калава (арқон, трос ва ш. к. ўрами); **~ тро́са** трос ўрами.

БУ́ХТЫ-БАРА́ХТЫ: с ~-~ *прост.* ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ; ҳе йўқ, бе йўқ; ўйламасдан, ўйламай-нетмай.

БУ́Ч/А *ж прост.* шовқин-сурон, тўполон, ғалва, жанжал; **подня́ть ~у** жанжал кўтармоқ, шовқин-сурон солмоқ.

БУШЕВА́ТЬ, -шу́ю, -шу́ешь *несов.* 1 қаттиқ тўлқинланмоқ, авжига олмоқ, қутурмоқ, шиддат билан кўтарилмоқ; **мо́ре бушу́ет** денгиз қаттиқ тўлқинланмоқда; **ве́тер бушу́ет** шамол авжига олди, қаттиқ шамол кўтарилди; **пла́мя бушева́ло** аланга авжига олган эди; 2 *перен. разг.* ҳамма ёқни бошига кўтармоқ, қутурмоқ, тўс-тўполон қилмоқ.

БУ́ШЕЛЬ *м* бушель (Англияда 36,3, Америкада 35,2 литрга тенг сочилувчан нарсалар ўлчови); **~ пшени́цы** бир бушель буғдой.

БУШЛА́Т *м* бушлат (матрослар курткаси).

БУ́ШМЕН *м* бушмен; *см.* **бушме́ны.**

БУШМЕ́НКА *ж, р. мн.* **-нок** бушмен аёл, бушменка; *см.* **бушме́ны.**

БУ́ШМЕНЫ *мн. (ед.* **бушме́н** *м,* **бушме́нка** *ж)* бушменлар (Жанубий Африкада яшовчи ва илгари бутун Жанубий Африка аҳолисини ташкил этган қабилалар).

БУШПРИ́Т *м мор.* бушприт (кема тумшуғидаги елкан ўрнатиладиган брус).

БУЯ́Н *м* тўполончи, уришқоқ, баттол.

БУЯ́НИТЬ *несов. разг.* тўполон қилмоқ, бебошлик қилмоқ, жанжал (ғалва) кўтармоқ.

БЫ, Б *частица* 1 ўтган замон шарт майлидаги феъллар билан келиб: а) истак, хоҳиш маъноларини ифодалайди: **я хоте́л бы** истар эдим, хоҳлар эдим; **я пошёл бы с ва́ми, но нет свобо́дного вре́мени** сиз билан борар эдим-у, вақтим йўқ; **я бы охо́тно прочёл э́ту кни́гу** бу китобни жоним билан ўқиган бўлур эдим; **я был бы рад уви́деться с ва́ми** сиз билан кўришсам жуда хурсанд бўлар эдим; б) истак, таклиф, ундаш каби маъноларни билдиради; **ты бы отдохну́л немно́го** сен бир оз дам олсанг бўлар эди; 2 феълларнинг инфинитив формаси билан (ёки усиз ҳам) истак маъносини ифодалайди; **покури́ть бы!** чексак бўларди!, чекким келяпти!; **до́ждичка бы!** ёмғир ёғса яхши бўларди; қани энди бир ёмғир ёғса; 3 **«не»** инкор юкламаси билан келиб: а) шарт маъносини билдиради; **е́сли бы (б)**

www.ziyouz.com kutubxonasi

его́ не извести́ли, он не пришёл бы унга хабар қилмаганларида, у келмаган бўлур эди; б) хавфсирашни билдиради; **не опозда́ть бы к нача́лу заня́тий** машғулот бошланишига кечикмасак яхши эди; машғулот бошланишига кечикмасак бўлди; **4** ажабланиш, таажжуб ифодалайди; **кто бы мог поду́мать** ҳеч ким... деб ўйлаган эмас, ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келган эмас; **кто бы мог поду́мать, что он бо́лен** уни ҳеч ким касал деб ўйлаган эмас.

БЫВА́ЛО 1 *см.* **быва́ть**; 2 *в знач. вводн. сл.* бир вақтлар (бир замонлар) ... бўлиб турарди; **в мо́лодости, ~, он охо́тился на волко́в** ёшлик чоғларида у бўри овлар эди; **сиде́т, ~, и начнёт расска́зывать** бир вақтлар у ўтириб олиб ҳикоя бошлар эди.

БЫВА́Л/ЫЙ, -ая, -ое *разг.* 1 *уст.* ўтган, ўтмиш, ўтмишдаги, илгариги; **~ые го́ды** илгариги йиллар; 2 *уст.* бўлган, бўлиб ўтган, бўлиб турадиган, оддий; **э́то де́ло ~ое** бу янгилик эмас, бўлиб турадиган иш; 3 кўпни кўрган, бошидан кўп нарса кечирган, тажрибали; туллак; **он челове́к ~ый** у кўпни кўрган одам; **~ый солда́т** кўпни кўрган, тажрибали солдат.

БЫВА́/ТЬ *несов.* 1 бўлмоқ, бор (мавжуд) бўлмоқ, бўлиб турмоқ; **в на́шем магази́не пушно́го това́ра не ~ет** бизнинг магазинимизда мўйна моллар бўлмайди (сотилмайди); 2 бўлмоқ, ҳозир бўлмоқ; **по вечера́м он ~ет до́ма** кечқурунлар у уйда бўлади; 3 бўлмоқ, воқе бўлмоқ, содир бўлмоқ, юз бермоқ, бўлиб турмоқ; **он ча́сто ~ет бо́лен** у тез-тез касал бўлиб туради; **заседа́ния ~ют раз в ме́сяц** мажлис ойда бир марта бўлади; **~ют слу́чаи, что...** шундай ҳоллар ҳам бўладики, ...; **э́то ~ет со все́ми** бу ҳаммада учрайдиган (бўладиган) ҳодиса; **э́того со мно́й никогда́ не ~ло** мен ҳеч бундай бўлган эмасдим; 4 қатнамоқ, бўлиб турмоқ, бориб (келиб) турмоқ; **я нигде́ не ~ю** мен ҳеч қаёққа бормайман; **он ча́сто ~ет в теа́тре** у тез-тез театрга бориб туради; **они́ ~ют друг у дру́га** улар бир-бирларинникида бўлиб туришади, улар бир-биринникига бориб-келиб турадилар; уларнинг бориш-келишлари бор; **его́ у нас и не ~ло** у бизникида ҳеч бўлган эмас; ✦ **как ни в чём не ~ло** ҳеч нарса бўлмагандай; ҳеч нарса кўрмагандай, билмагандай; **как не ~ло** худди ...магандай; асари ҳам қолмади; **дождя́ как не ~ло** худди ёмғир ёғмагандай; **бо́ли как не ~ло** оғриқдан асар ҳам қолмади; **не ~ть** *чему* бўлмайди, бўлиши мумкин эмас, бўлишига йўл қўймаймиз; **э́тому не ~ть** бундай бўлмайди, бундай бўлиши мумкин эмас, бунга йўл қўймаймиз.

БЫВШ/ИЙ, -ая, -ее 1 *прич. от* **быть**; 2 *в знач. прил.* собиқ, илгариги, ўтмишдаги; **~й дире́ктор** собиқ директор; ✦ **~е лю́ди** *см.* **лю́ди.**

БЫДЛО *с собир.* 1 *обл.* иш ҳайвони; 2 *бран.* текин малай, хизматкор.

БЫК I *м, р.* **-а́** буқа, ҳўкиз; **племенно́й ~** зотли буқа; **бой ~о́в** *то же, что* **коррида**; ✦ **упёрся как ~** қаттиқ туриб олди; оёғини тираб олди; ўжарлик қилиб туриб олди; **здоро́в как ~** жуда соғлом, отдек; **взять ~а́ за рога́** *см.* **рога́.**

БЫК II *м см.* **быки́.**

БЫКИ́ *мн. (ед.* **бык** *м)* кўприк устуни, кўприк тирагичи.

БЫЛЕВО́Й, -а́я, -о́е *то же, что* **были́нный.**

БЫЛИ́НА *ж лит.* билина, достон (рус халқ паҳлавонлик достонлари).

БЫЛИ́НКА *ж, р. мн.* **-нок** чўп, хас, ўт поя; чилтон.

БЫЛИ́ННЫЙ, -ая, -ое билинага, достонга оид ёки хос бўлган; билина...; достон...; **~ сюже́т** билина (достон) сюжети; **~ э́пос** эпик достон.

БЫЛО (без ударения) *частица* бошланган ёки бўлай деб турган ишнинг амалга ошмай қолганлигини билдиради; **пошёл ~, да останови́лся** кетай (юрай) деб турган эди, тўхтаб қолди; **Прекрати́вшийся ~ дождь вдруг сно́ва поли́л** (Симонов) Тинай деб турган ёмғир яна қуя бошлади; **чуть ~ не...** ...ла ёзди, ...лай деди; **он чуть ~ не упа́л** у йиқилаёзди, унинг йиқилишига сал қолди.

БЫЛО́/Й, -а́я, -о́е 1 ўтган, бўлиб ўтган, ўтиб кетган, ўтмиш, илгариги; **в ~е вре́мя** ўтган замонда, ўтмишда, илгариги вақтларда; 2 бошдан кечирилган, бошдан ўтган, кўрилган, эски; **~е сча́стье** эски бахт; 3 *в знач. сущ.* **~е** *с* ўтмиш, кўрган-кечирилган, бошдан ўтган; кўрмиш-кечирмиш; **вспомина́ть ~е** ўтмишни эсламоқ; кўрмиш-кечирмишларни хотирага олмоқ.

БЫЛЬ *ж* 1 бўлган (бўлиб ўтган) воқеа; ҳақиқат, рост иш (гап); **~ мо́лодцу не укор** *погов.* йигитликда бўладиган нарсанинг айби йўқ, ёшликдагини кечириш мумкин; 2 *уст.* воқеий ҳикоя; **э́то не ска́зка, а ~** бу эртак эмас, бўлган воқеа, ҳақиқат; **были́ и небыли́цы** бўлган ва бўлмаган нарсалар, рост гаплар ва ёлғон-яшиқлар.

БЫЛЬЁ *с собир. уст.* ўт, ўлан; ўт-ўлан; ✦ **~м поросло́** тамоман унутилган, эсдан чиқиб кетган.

БЫСТРИ́НА *ж, мн.* **-и́ны** дарёнинг тез оқадиган жойи, тезоқар жой.

БЫСТРО *нареч.* тез, тезда, дарров, дарҳол, тезлик (зудлик) билан; **~ чита́ть** тез ўқимоқ; **он ~ сообража́ет** у тез фаҳмлаб (тушуниб) олади.

БЫСТРОГЛА́ЗЫЙ, -ая, -ое кўзи ўйнаб турадиган, ўйноқи кўз.

БЫСТРОКРЫЛЫ/Й, -ая, -ое тез учадиган, тезучар; **~е ла́сточки** тезучар қалдирғочлар.

БЫСТРОНО́ГИЙ, -ая -ое оёғи енгил, тез, югурик, чаққон, чопқир; **~ оле́нь** чопқир буғу.

БЫСТРОРАСТУ́ЩИ/Й, -ая, -ее тез ўсадиган, тез ривож оладиган; **~е тра́вы** тез ўсадиган ўтлар.

БЫСТРОТ/А *ж* тезлик, чаққонлик, илдамлик, жадаллик; **с ~о́й мо́лнии** яшин тезлиги билан, яшин тезлигида.

БЫСТРОТВЕРДЕЮЩИЙ, -ая, -ее тез қотадиган; **~ раство́р** тез қотадиган эритма.

БЫСТРОТЕ́ЧН/ЫЙ, -ая, -ое; -чен, -чна тез ўтадиган, билинмай ўтиб кетадиган; қисқа; **~ое вре́мя** тез (билинмай) ўтиб кетадиган вақт.

БЫСТРОХО́ДНОСТЬ *ж* тез юриш, илдамлик.

БЫСТРОХО́ДНЫЙ, -ая, -ое; -ден, -дна тез юрадиган, илдам, тезюрар; **~ ка́тер** тезюрар катер.

БЫСТР/ЫЙ, -ая, -ое тезлик билан бўладиган, қилинадиган, тез бўлиб ўтадиган, тез, илдам, жадал; **~ое враще́ние** тез айланиш; **~ое тече́ние реки́** дарёнинг тез оқиши; дарёнинг тез оқадиган жойи; **~ый темп** тез суръат; **идти́ ~ым ша́гом** тез (илдам) қадам ташлаб бормоқ; **~ое движе́ние** тез (илдам) ҳаракат; 2 *перен. на что* тез ишлайдиган, чаққон; ўткир; **~ый на отве́т** ҳозиржавоб; 3 жадал суръат билан рўй берадиган, суръатли, жадал, тез; **~ый рост промы́шленности** саноатнинг жадал суръат билан ривожланиши; **~ый подъём благосостоя́ния наро́да** халқ фаровонлигининг жадал ўсиши; 4 тез, равон; ҳаракатчан; ўйноқи; **~ая речь** тез (равон) нутқ; **~ый взгля́д** ўйноқи кўз, тез нигоҳ.

БЫТ *м* 1 турмуш, ҳаёт; **но́вый ~** янги турмуш; **совреме́нный ~** замонавий ҳаёт; **колхо́зный ~** колхоз ҳаёти; 2 кундалик турмуш, тирикчилик, маишат; **дома́шний ~** оилавий турмуш; уй ҳаёти; **усло́вия ~а** турмуш шароити; ✦ **дом ~а** маиший хизмат (кўрсатиш) уйи.

БЫТИЁ *с* 1 *филос.* турмуш, объектив мавжудот, борлик; **~ определя́ет созна́ние** турмуш онгни белгилайди; 2 ижтимоий ҳаётнинг моддий базаси, шароитлари; **общественное ~** ижтимоий ҳаёт; **движе́ние — фо́рма бытия́ мате́рии** ҳаракат модданинг яшаш формасидир; 3 *уст.* и *высок.* турмуш, ҳаёт, тирикчилик, яшаш; умр; **Летя́т за дня́ми дни́, и ка́ждый час уно́сит Части́чку бытия́** (Пушкин) Кунлар бирин-кетин ўтиб боради ва ҳар бир соат умрнинг бир бўлагини олиб кетади.

БЫТКОМБИНА́Т *м* (комбина́т бытово́го обслу́живания) маиший хизмат комбинати.

БЫТНОСТЬ: в ~ *чью, кем* или ***где уст.*** бўлган вақтда (вақтларда); бўлган чоғда (чоғларда); **в ~ мою́ студе́нтом** студентлик чоғларимда; **в ~ мою́ на Се́вере** мен Шимолда бўлганимда.

БЫТОВА́НИЕ *с* бўлиш, расм (таомил) бўлиш, ёйилиш; яшаш; **~ прогресси́вных обря́дов** прогрессив одатларнинг ёйилиши.

БЫТОВА́/ТЬ, -тует *несов.* бўлмоқ, расм (таомил) бўлмоқ; ёйилмоқ, яшамоқ; **э́то явле́ние ещё быту́ет в жи́зни** бу ҳодиса ҳали ҳам турмушда сақланиб келади.

БЫТОВИ́ЗМ *м* ҳаётни, ҳаётий (маиший) ҳодисаларни, лавҳаларни тасвирлаш, ҳаётнавислик.

www.ziyouz.com kutubxonasi

БЫТОВИ́К *м. р.* **-а́** *разг. то же, что* **бытописа́тель.**

БЫТОВКА *ж разг.* ризқхона, ўз-ўзига хизмат хонаси (завод-фабрика, ишхона ва ш. қ. да).

БЫТОВ/О́Й, -а́я, -о́е маиший, ҳаётий, турмушдаги; **~ы́е усло́вия** маиший шароит; яшаш (ҳаёт кечириш) шароити; **~о́й уклад** маиший уклад; яшаш (ҳаёт кечириш) тарзи; **~ы́е удо́бства** маиший қулайликлар; **~о́е обслу́живание** маиший хизмат (кўрсатув); **~о́й рома́н** ҳаётий роман; **~о́й жанр** маиший жанр; **~о́е явле́ние** ҳаётий ҳодиса, ҳаётда (турмушда) бўлиб турадиган ҳодиса.

БЫТОПИСА́НИЕ *с книжн. уст.* турмуш, ҳаёт, урф-одатлар тарихи, тавсифи; тарих.

БЫТОПИСА́ТЕЛЬ *м* 1 турмушни, ҳаётни, ҳаёт лавҳаларини тасвирловчи адиб ёки рассом; ҳаётнавис; 2 *книжн. уст.* тарихчи, тарихнавис.

БЫ́ТЬ *м (наст. вр.* **есть** и *уст.* **суть**), **бу́ду, бу́дешь; был, была́, бы́ло; не́ был, не была́, не́ было; будь(те)!; бы́вший; бу́дучи** *несов. книжн.* 1 бўлмоқ, бор бўлмоқ; **у меня́ есть тро́е дете́й** менинг уч фарзандим бор; **у них ско́ро бу́дет ребёнок** улар яқинда фарзанд кўради; **в шкафу́ бы́ло мно́го книг** шкафда кўп китоб бор эди; **у нас не́ было свобо́дного вре́мени** бизнинг бўш вақтимиз йўқ эди; 2 бўлмоқ, ҳозир бўлмоқ, иштирок этмоқ, қатнашмоқ; бормоқ, келмоқ; **я за́втра бу́ду у вас** мен эртага сизникида бўламан, мен сизникига эртага бораман; **~ в теа́тре** театрда бўлмоқ; **~ во́зле больно́го** бемор ёнида бўлмоқ; **~ на приёме в Кремле́** Кремлда қабулда бўлмоқ; **~ вечера́ми до́ма** кечқурунлари уйда бўлмоқ; 3 жойлашмоқ, ўрнашмоқ; **ла́герь был у бе́рега реки́** лагерь дарё бўйида (жойлашган) эди; 4 эгнида... бор бўлмоқ, кийган (кийинган) бўлмоқ; **на нём был плащ** унинг эгнида плашч бор эди; у плашчда (плашч кийиб олган) эди; 5 бўлмоқ, воқе (содир) бўлмоқ, юз бермоқ; **вчера́ была́ гроза́** кеча момақалдироқ бўлди; **~ бу́ре** бўрон бўлади, бўрон бўладиганга ўхшайди; **за́втра бу́дет хоро́шая пого́да** эртага об-ҳаво яхши бўлади; 6 баъзи отлар билан келиб, шу отлар маъносидан англашиладиган иш-ҳаракатни, ҳолатни ёки шу ҳолатда бўлишни ифодалайди; **~ в перепи́ске** *с кем-л.* хат ёзишиб турмоқ; **~ в недоуме́нии** таажжубда қолмоқ, ажабланмоқ; **~ в постоя́нных разъе́здах** доим сафарда бўлмоқ; 7 боғлама ва кўмакчи феъл вазифасида ишлатилади; **он был колхо́зником** у колхозчи эди; **де́вушка была́ небольшо́го ро́ста** қизнинг бўйи унча баланд эмас эди; **парохо́д бу́дет по́днят со дна мо́ря** пароход денгиз остидан чиқариб олинади; **э́то бы́ло сде́лано студе́нтами** буни студентлар қилган (ясаган, тайёрлаган) эди; **он бу́дет писа́ть** у ёзади (ёзажак); **~ обя́занным** *кому-л.* миннатдор бўлмоқ; ✦ **как ~?** нима қилмоқ керак?; **так и ~** бўлса бўлсин; майли, майлига; **должно́ ~** эҳтимол, бўлса керак; **была́ не была́!** таваккал, нима бўлса бўлди!, бўлганича бўлар!; **будь что бу́дет** нима бўлса бўлар; ё остидан, ё устидан, таваккал; **что бу́дет, то бу́дет** нима бўлса бўлар, бўлганича бўлар; **(и) был тако́в** *см.* **таков; мо́жет ~** или **~ мо́жет; не мо́жет быть** *см.* **мочь; не тут-то бы́ло** *см.* **тут; ста́ло ~** демак; **~ или не ~** бўлиш ё бўлмаслик; ё ўлиш, ё қолиш; **чему́ ~, того́ не минова́ть** *см.* **минова́ть.**

БЫТЬЁ *с уст.* турмуш, ҳаёт; ✦ **житьё- ~** *см.* **житьё.**

БЫЧАЧ/ИЙ, -ья, -ье *прил. от* **бык** I, 1 буқага оид; буқа...; **~ья ко́жа** буқа териси; 2 *перен.* буқадек, ҳўкиздек; буқаникидек бақувват, мустаҳкам; **~ья ше́я** буқа бўйин; **~ьи не́рвы** мустаҳкам асаблар.

БЫЧ/ИЙ, -ья, -ье *прил. от* **бык** I *то же, что* **быча́чий; ~ьи рога́** буқа шохи.

БЫЧ/ОК I *м, р.* **-чка́** *уменьш. от* **бык** I буқача, новвос; ✦ **ска́зка про бе́лого ~ка́** *см.* **ска́зка.**

БЫЧО́К II *м, р.* **-чка́** бичок (балиқ тури).

БЬЕФ *м спец.* бьеф (дарё ёки каналнинг **икки тўғон,** шлюз оралиғидаги сатҳи); **ве́рхний ~** юқориги бьеф; **ни́жний ~** пастки (қуйи) бьеф.

БЮВА́Р *м* бювар (папка, портфель тури).

БЮВА́РН/ЫЙ, -ая, -ое бюварга оид, бювар...; **~ая бума́га** бювар қоғози.

БЮДЖЕ́Т *м* 1 бюджет; **госуда́рственный ~** давлат бюджети; **ме́стный ~** маҳаллий бюджет; **вое́нный ~** ҳарбий бюджет; **годово́й ~** йиллик бюджет; 2 бюджет, даромад-буромад; **~ семьи́** оила бюджети, оиланинг даромад-буромади; ✦ **вы́йти из ~а** бюджетдан чиқиб кетмоқ, бюджетдан ортиқ сарф қилиб қўймоқ.

БЮДЖЕ́ТНЫ/Й, -ая, -ое, бюджетга оид, бюджетда кўрсатилган (белгиланган); бюджетдаги; бюджет...; **~й год** бюджет йили; **~е ассигнова́ния** бюджетда ажратилган маблағ.

БЮЛЛЕТЕ́НИТЬ *несов. разг.* бюллетень олмоқ, бюллетенга чиқмоқ, бюллетенда бўлмоқ.

БЮЛЛЕТЕ́НЬ *м* бюллетень (1 бирор ҳодиса ҳақидаги қисқача расмий ахборот, маълумот; **~ пого́ды** об-ҳаво бюллетени; **~ съе́зда** съезд бюллетени; 2 вақти-вақти билан нашр этиб турилади ган ахборотлар мажмуи, журнали; **~ Акаде́мии нау́к** Фанлар академиясининг бюллетени; 3 сайлов варақаси; **избира́тельный ~** сайлов бюллетени; 4 *разг.* касаллик варақаси; **закры́ть ~** бюллетенни ёпмоқ).

БЮРГЕР *м* 1 *уст.* бюргер (Германия ва бошқа баъзи мамлакатларда: шаҳарлик одам, шаҳарлик); 2 *перен.* обыватель, мешчан.

БЮРГЕРСК/ИЙ, -ая, -ое бюргерларга оид; бюргер(лар)..., шаҳарлик(лар)...; **~ое сосло́вие** бюргерлар (шаҳарликлар) табақаси.

БЮРЕ́ТКА *ж, р. мн.* **-ток** бюретка (ўлчовли найча).

БЮРО́ I *с нескл.* бюро (1 баъзи муассасалар, ташкилотлар номи; **спра́вочное ~** справка бюроси; **конструкторское ~** конструкторлар (конструкторлик) бюроси; **~ нахо́док** топилдиқлар бюроси; **~ пого́ды** об-ҳаво бюроси; 2 сайлаб қўйиладиган раҳбарлик органи ва унинг мажлиси; **~ обко́ма профсою́за** касаба союз область комитетининг бюроси; **реше́ние ~** бюро қарори).

БЮРО́ II *с нескл.* бюро (ёзув столи тури).

БЮРОКРА́Т *м* 1 *уст.* бюрократ, амалдор, тўра; 2 бюрократ, расмиятчи, расмиятпараст, тўра, қоғозбоз.

БЮРОКРА́ТИЗМ *м* 1 бюрократизм (синфий жамиятда: ҳоким синфлар манфаатини кўзловчи тўралар, амалдорлар қўлидаги идора усули); 2 бюрократизм, расмиятчилик, қоғозбозлик.

БЮРОКРАТИ́ЧЕСК/ИЙ, -ая, -ое 1 бюрократизмга асосланган, бюрократик; **~ий строй** бюрократик тузум; 2 расмиятчиликка асосланган, бюрократик, бюрократларча; **~ое отноше́ние к рабо́те** ишга бюрократларча муносабат.

БЮРОКРА́ТИЯ *ж* 1 *то же, что* **бюрократи́зм** 1; 2 *собир.* бюрократия, бюрократлар, тўралар.

БЮРОКРА́ТКА *ж, р. мн.* **-ток** *см.* **бюрокра́т** 2.

БЮСТ *м* 1 бюст; **бро́нзовый ~ Ле́рмонтова** Лермонтовнинг бронза бюсти; 2 аёллар кўкраги, кўкси, сийнаси; **краси́вый ~** чиройли кўкрак.

БЮСТГА́ЛЬТЕР *м* бюстгальтер (аёлларнинг кўкрак боғи).

БЯЗЕВЫЙ, -ая, -ое бездан, хомсурпдан тикилган; без...; хомсурп...; **~ халат** без (хомсурп) халат.

БЯЗЬ *ж* без, хомсурп.

БЯКА *м* и *ж* бижий, ёмон; **брось! Это же ~!** ташла! Бу бижий!

В

В, ВО *предлог* 1 *с вин.* иш-ҳаракатнинг бирор нарсага, бирор нарса ичига, орасига, қаторига йўналганлигини **билдиради; -га, -ка, -қа; -дан; войти́ в дом** уйга кирмоқ; **уе́хать в го́род** шаҳарга кетмоқ; **положи́ть кни́гу в шкаф** китобни шкафга қўймоқ; **ме́тить в цель** мўлжалга олмоқ; **уда́рить в грудь** кўкрагига урмоқ; **упере́ть ру́ки в бока́**

www.ziyouz.com kutubxonasi

қўлни белига тирамоқ, **белии** ушлаб турмоқ; **поцелова́ть в лоб** пешанасидан ўпмоқ; **ве́тер ду́ет пря́мо в лицо́** шамол тўғри юзга уряпти; **пойти́ в актёры** актёрликка кирмоқ, актёр бўлмоқ; **вступи́ть в па́ртию** партияга кирмоқ (ўтмоқ); **избра́ть в прези́диум** президиумга сайламоқ; 2 *с вин.* нарсаларнинг қайси томонга қаратилганлиги ёки йўналганлигини билдиради; **доро́га в лес** ўрмонга борадиган йўл; **о́кна в сад** боққа қараган деразалар; 3 *с вин.* бирор машғулотга киришишни, бирор ҳолатга тушишни билдириб келади; -га, -қа, -ка; **углуби́ться в рабо́ту** ишга шўнғиб (берилиб) кетмоқ; **вмеша́ться в ссо́ру** жанжалга аралашмоқ; **прийти́ в созна́ние** ҳушига (ўзига) келмоқ; **прийти́ в у́жас** даҳшатга тушмоқ (келмоқ); **прийти́ в негодова́ние** ғазабга (ғазаби) келмоқ, ғазабланмоқ; 4 *с предл.* иш-ҳаракат ёки нарса ўрнини, жойини билдиради, -да; -дан; **находи́ться в ко́мнате** хонада бўлмоқ; **жить в Ташке́нте** Тошкентда яшамоқ; **стоя́ть в стороне́** четда турмоқ; **купи́ть в магази́не** магазиндан сотиб олмоқ; **рабо́тать в мастерско́й** устахонада ишламоқ; **учи́ться в университе́те** университетда ўқимоқ; **сиде́ть в прези́диуме** президиумда ўтирмоқ; **в кни́ге три ча́сти** китобда уч қисм бор; китоб уч қисмдан иборат; **в э́том челове́ке мно́го хоро́шего** бу одамда яхши фазилатлар кўп; 5 *с предл.* ҳолат, кайфият, шароит ва ш. к. ни билдириб келади; **быть в ссо́ре** араз бўлмоқ; араздашиб юрмоқ; **состоя́ть в перепи́ске** хат ёзишиб турмоқ; **день прошё́л в бего́тне́** кун югуриш (югур-югур) билан ўтди; кун бўйи югуриб-елдим; **быть в у́жасе** даҳшатга келмоқ (тушмоқ); **быть в негодова́нии** ғазабли (ғазабнок) бўлмоқ; **я́блоня в цвету́** 1) гуллаётган олма дарахти; 2) олма дарахтининг ғарқ гуллаган пайти; **в по́лной тишине́** бутунлай жимжитликда, тўла сукунатда; 6 *с вин.* иш-ҳаракатнинг бирор предмет орқали ёки воситасида амалга ошишини билдиради; -дан; орқали; билан; **смотре́ть в бино́кль** бинокль билан (бинокль орқали) қарамоқ; **уви́деть** *кого-л.* **в окно́** деразадан (дераза орқали) кўрмоқ; 7 *с вин.* и *предл.* иш-ҳаракат юз берган пайт, вақт, давр, муддат ёки ҳодисани билдириб келади; **в пя́тницу** жума (кун) куни, жумада; **в оди́н из дней** бир куни; кунлардан бир кун; **в ночь на воскресе́нье** якшанбага ўтар кечаси; **в обе́д** тушда, тушлик овқат вақтида; **в де́сять часо́в утра́** эрталаб соат ўнда; **в дождь** ёмғирда; **в сентябре́** сентябрда; **в э́том году́** бу йил(да), шу йил(и); **в двадца́том ве́ке** йигирманчи асрда; **в де́тстве** болаликда, болалик (ёшлик) чоғларида; 8 *с вин.* иш-ҳаракатнинг бирор вақт давомида бўлишини билдиради; **в ме́сяц** бир ойда, бир ой ичида (давомида, мобайнида); **в оди́н год** бир йилда, бир йил ичида; 9 *с вин.* иш-ҳаракат натижасида нарсаларнинг бирор ҳолатга келишини, ўтишини, ўзгаришини билдириб келади; **изорва́ть в кло́чья** парча-парча (пора-пора) қилиб ташламоқ; **растоло́чь в порошо́к** янчиб, порошокка айлантирмоқ, майдалаб туймоқ; **превати́ться в пар** бугга айланмоқ; 10 *с вин.* иш-ҳаракат мақсадини билдириб келади; учун, тариқасида, мақсадида, мақсади билан, қилиб; **привести́ в доказа́тельство** исбот учун келтирмоқ, далил қилиб (тариқасида) келтирмоқ; **сказа́ть в шу́тку** ҳазил қилиб (ҳазиллашиб) айтмоқ; 11 *с вин.* и *предл.* нарсаларнинг белгиси, хусусияти, характерини билдириб келади; **тетра́дь в кле́тку** катак дафтар; **ткань в поло́ску** йўл-йўл мато; **постро́йки в сти́ле баро́кко** барокко услубидаги бинолар; **зо́лото в слита́х** қуйма олтин, ёмби; **рису́нок в кра́сках** рангли расм; **у меня́ ру́ки в кра́ске** қўлларим бўялган (бўёқ); **не́бо в ту́чах** осмон булутли, осмон булутлар билан қопланган; 12 *с вин.* нарсаларнинг миқдорий белгиси, оғирлиги, ўлчами ва ш. к. ни билдириб келади; **моро́з в три́дцать гра́дусов** ўттиз даража(ли) совуқ; **де́вушка в восемна́дцать лет** ўн саккиз ёш(ли) қиз; **ве́сом в пять тонн** беш тонна оғирликдаги; **ко́мната в пятна́дцать квадра́тных ме́тров** ўн беш квадрат метрли хона; 13 *с вин.* и *предл.* ўров, кийим ва ш. к. ни билдириб келади; **заверну́ть в бума́гу** қоғозга ўрамоқ; **обу́ться в ва́ленки** пайма(ни) киймоқ; **сиде́ть в ша́пке** шапкада, телпакда (шапка, телпак кийиб) ўтирмоқ; **прийти́ в сапога́х** этик кийиб келмоқ; **мужчи́на в очка́х** кўзойнакли (кўзойнак таққан) эркак; 14 *с вин.* нисбатларнинг карралилигини билдириб келади; **в де́сять раз бо́льше** ўн марта (ҳисса) катта; **в два ра́за длинне́е** икки марта (ҳисса) узун; **во мно́го раз лу́чше** кўп марта яхши; 15 *с вин.* баъзи отлар билан равиш ясайди; **сжа́ться в комо́к** ғужанак бўлмоқ; **поклони́ться в по́яс** икки букилиб салом бермоқ; 16 *с вин.* шахс билдирувчи отлар билан ўхшашликни ифодалайди; **он весь в отца́** у худди отасининг ўзи; 17 *с вин.* такрорланувчи отлар ўртасида келиб, тўппа-тўғриликни, аниқликни ифодалайди; **мину́та в мину́ту** тўппа-тўғри белгиланган минутда (пайтда); бир минут ҳам кечикмай; **сло́во в сло́во** сўзмасўз, бир сўзни ҳам туширмай қолдирмай, худди ўзидай; 18 *с предл. разг.* кўплик формасидаги отлар билан кимсанинг бирор хизматда ёки ҳолатда эканлигини билдиради; **быть в помо́щниках** ёрдамчи бўлмоқ; ёрдамчи бўлиб юрмоқ; 19 *с предл.* бирор нарсадан қанча узоқликда эканликни билдиради; **в киломе́тре от ста́нции** станциядан бир километр нарида (узоқда); **в двух шага́х от меня́** мендан икки қадам нарида; 20 *с предл.* иш-ҳаракат, белги, сифат ва ш. к. нинг тарқалиш соҳаси ёки қўлланиш доирасини билдириб келади; **широ́кий в плеча́х пиджа́к** елкаси кенг пиджак; **со́гнутая в ло́кте рука́** тирсакдан букилган қўл; **у́зкие в носке́ сапоги́** панжаси (тумшуғи) тор этик; **собра́ть ю́бку в та́лии** юбканинг белини бурма қилмоқ; 21 *с предл.* иш-ҳаракатнинг характерини билдириб келади; **рассказа́ть в двух слова́х** икки оғиз сўз билан (қисқа қилиб) айтиб бермоқ.

В-, ВО-, ВЪ- *приставка* феъл олд қўшимчаси бўлиб, 1) феълда ифодаланган иш-ҳаракатнинг бирор нарса ичига йўналганлигини билдиради, мас., **входи́ть, вбежа́ть, влете́ть**; 2) иш-ҳаракатнинг ичрочига томон йўналганлигини билдиради, мас., **впита́ть, всоса́ть, вобра́ть**; 3) иш-ҳаракатнинг юқорига йўналганлигини билдиради, мас., **вбежа́ть** *на что-л.*, **вкати́ть** *на что-л.*; 4) **«-ся»** юкламаси олган феълларда ифодаланган иш-ҳаракатнинг диққат (синчковлик) билан қилинаётганлигини билдиради, мас., **всмотре́ться, вслу́шаться, вду́маться.**

ВА-БА́НК *нареч.* 1 тикилган пулнинг ҳаммасига гардкам, ол қўлим; 2 таваккал, ё остидан, ё устидан; ✦ **идти́ (или пойти́)** ~ 1) тикилган пулнинг ҳаммасига ўйнамоқ (гардкам қилмоқ); 2) таваккал қилмоқ.

ВА́БИТЬ, -блю, -бишь *несов.* қуш (ёки ҳайвонни унинг овозига тақлид қилиб авраб чақирмоқ (мас., киркик билан чақириб бедана овламоқ).

ВАВИЛО́НСК/ИЙ: ~**ое столпотворе́ние** *см.* **столпотворе́ние.**

ВА́ГА *ж уст.* 1 катта тарози; 2 пишанг, лайлак, ҳавоза.

ВАГО́Н *м* 1 вагон; **трамва́йный** ~ трамвай вагони; ~ **дров** бир вагон ўтин; 2 *перен. разг.* жуда кўп, бир вагон, бир дунё; **книг у него́** ~ унинг бир вагон китоби бор, унинг китоби жуда кўп.

ВАГОНЕ́ТКА *ж, р. мн.* **-ток** вагонетка, вагонча; **ша́хтная** ~ шахта вагонеткаси.

ВАГО́ННИК *м* 1 вагонсоз; 2 вагон заводининг ёки паркининг ишчиси.

ВАГО́НН/ЫЙ, -ая, -ое вагонга оид; вагон...; ~**ое депо́** вагон депоси; ~**ая ось** вагон ўқи; ~**ая теле́жка** вагон тележкаси.

ВАГОНОВОЖА́ТЫЙ *м, р.* **-ого** трамвай ҳайдовчи.

ВАГОНОРЕМО́НТНЫЙ, -ая, -ое вагонларни ремонт қиладиган; вагон ремонт...; ~ **заво́д** вагон ремонт заводи.

ВАГОНОСТРОЕ́НИЕ *с* вагонсозлик, вагонлар ясаш.

ВАГОНОСТРО́ИТЕЛЬ *м* вагонсоз.

ВАГОНОСТРО́ИТЕЛЬНЫЙ, -ая, -ое вагонсозликка оид, вагонсозлик...; ~ **заво́д** вагонсозлик заводи.

ВАГО́НЧИК *м* 1 кичкина вагон, вагонча; 2 вагон уй (қурилиш ва қишлоқ хўжалик ишларида, экспедиция ва ҳ. к. да).

www.ziyouz.com kutubxonasi

ВАГРА́НКА *ж, р. мн.* **-нок** вагранка (чўян эритадиган печь).

ВАГРА́НКОВЫЙ, -ая, -ое вагранкага оид; вагранка...

ВАГРА́НОЧНЫЙ, -ая, -ое вагранкага оид; вагранка...

ВАГРА́НЩИК *м* вагранкачи, вагранка ишчиси.

ВА́ЖЕНКА *ж, р. мн.* **-нок** ургочи буғу.

ВА́ЖИВАТЬ I *несов. многокр. см.* **водить.**

ВА́ЖИВАТЬ II *несов. многокр. см.* **возить.**

ВАЖНЕ́ЦКИ/Й, -ая, -ое *прост.* жуда яхши, жуда соз, қойил, жойида, қулинг ўргилсин; **щи ~е!** қулинг ўргилсин карам шўрва!; **дела́ не ~е!** ишлар яхши эмас!; ишлар унчалик эмас! иш пачава (чатоқ)!

ВА́ЖНИЧАТЬ *несов. разг.* ўзини катта тутмоқ (олмоқ), гердаймоқ, кеккаймоқ, кибрланмоқ, каттаконлик (катталик) қилмоқ.

ВА́ЖНО 1 *нареч.* ўзини катта тутиб (олиб), гердайиб, кеккайиб, такаббурланиб, виқор билан; савлат тўкиб; **~ держа́ться** ўзини катта тутмоқ; **~ отка́шляться** виқор билан томоқ қириб қўймоқ, кеккайиб йўталиб қўймоқ; 2 *в знач. сказ.* муҳим, аҳамиятли, зарур, керак; **нам ~ знать э́то** буни билишимиз керак (зарур); буни билиш биз учун муҳим; **э́то не столь ~** бунинг унча аҳамияти йўқ.

ВА́ЖНОСТ/Ь *ж* 1 муҳимлик, аҳамиятлилик, зарурлик; **~ь вопро́са** масаланинг муҳимлиги; **де́ло госуда́рственной ~и** давлат аҳамиятига эга (молик) бўлган иш; 2 ўзини катта тутиш (олиш), гердайганлик, мағрурлик, катталик, кибр-ҳаво, виқор, савлат; **говори́ть с ~ью** ўзини катта тутиб (олиб) гапирмоқ, виқор билан сўзламоқ; **напусти́ть на себя́ ~ь** ўзини катта қилиб кўрсатмоқ; ўзини катта фаҳмламоқ; ✦ **э́ка ~ь** или **(не) велика́ ~ ь** ҳечқиси (аҳамияти) йўқ, арзимас, аҳамиятсиз.

ВА́ЖН/ЫЙ, -ая, -ое; -жен, -жна́, -жно 1 муҳим, аҳамиятли, зарур, керакли; **~ый вопро́с** муҳим масала; 2 *разг.* эътиборли, нуфузли, катта; **~ая персо́на** катта одам, дўкай; **~ое ме́сто** катта ўрин (амал); **~ый челове́к** эътиборли одам; 3 улуғвор, сипо, басавлат, савлатли, виқорли, мағрур; **~ый вид** виқорли кўриниш, савлат; **с ~ым ви́дом** виқор билан, мағрур; савлат тўкиб; 4 *прост.* яхши, соз, тузук, дуруст.

ВА́ЗА *ж* ваза, кўра; **~ для фру́ктов** мева соладиган ваза; **~ для цвето́в** гулдон.

ВАЗЕЛИ́Н *м* вазелин.

ВАЗЕЛИ́НОВ/ЫЙ, -ая, -ое вазелинга оид; вазелинли; вазелин...; **~ое ма́ло** вазелинли совун.

ВАЗОМОТО́РНЫ/Й, -ая, -ое *физиол.* вазомотор (томирларни кенгайтириб-торайтириб турувчи); **~е не́рвы** вазомотор нервлар.

ВАЗО́Н *м* гултувак.

ВАЗО́ЧКА *ж, р. мн.* **-чек** кичкина ваза, вазача, кўрача.

ВА́ЙЯ *ж бот.* 1 папоротник барги; 2 *разг.* пальма дарахти барги.

ВАКА́НСИ/Я *ж* вакансия, бўш ўрин (лавозим, вазифа); **нет ~и** бўш ўрин йўқ; **откры́лась ~я** ўрин бўшади.

ВАКА́НТН/ЫЙ, -ая, -ое; -тен, -тна вакант, бўш (ҳеч ким банд қилмаган); **~ая до́лжность** бўш лавозим (ўрин).

ВАКА́ЦИИ *мн. (ед.* **вака́ция** *ж) уст. то же, что* **кани́кулы.**

ВА́КСА *ж* вакса, этикмой.

ВА́КСИТЬ, ва́ксу, ва́ксишь *несов. (сов.* **нава́ксить**) *что* вакслаймоқ, мойламоқ, вакса билан тозаламоқ (пойабзални).

ВАКУУ́М *м* вакуум (берк идиш ичидаги ҳавонинг ёки газнинг сийраклашган ҳолати); ✦ **духо́вный ~** маънавий қашшоқлик.

ВАКУУММЕ́ТР *м* вакуумметр (сийраклашган ҳавонинг босимини ўлчайдиган асбоб).

ВАКУУ́МНЫЙ, -ая, -ое вакуумга оид, вакуумли; вакуум...

ВАКУ́Ф и **ВАКФ** *м ист.* вақф.

ВАКУ́ФНЫ/Й, -ая, -ое *ист.* вақфга оид, вақф қилиб берилган; вақф...; **~е зе́мли** вақф ерлар.

ВАКХАНА́ЛИЯ *ж* 1 вакханалия (қадимги Римда: май ва айш-ишрат худоси Вакх — Бахус шарафига қилинган байрам); 2 *перен.* ўтакетган тартибсизлик; **узлуксиз айш-ишрат.**

ВАКХАНА́ЛЬНЫЙ, -ая, -ое *то же, что* **вакхи́ческий.**

ВАКХИ́ЧЕСКИ/Й, -ая, -ое Вакхга ва вакханалия байрамига оид, шу байрамларда айтиладиган; вакханалия...; **~е пе́сни** вакханалия қўшиқлари; шодиёна қўшиқлар.

ВАКЦИ́НА *ж* вакцина, эмлик; **противоо́спенная ~** чечакка қарши вакцина; **противотифо́зная ~** тифга қарши вакцина.

ВАКЦИНА́ЦИЯ *ж мед.* вакцинация, вакцина бериш (юбориш); эмлаш; **~ про́тив о́спы** чечакка қарши эмлаш.

ВАКЦИНИ́РОВАТЬ *несов. мед. кого* вакцинация қилмоқ, вакцина бермоқ (юбормоқ), эмламоқ.

ВАКЦИНОТЕРАПИ́Я *ж мед.* вакцинотерапия, вакцина билан даволаш.

ВАЛ I *м, мн.* **-ы́** 1 тупроқ девор, садд, ғов; **крепостно́й ~** қалъа девори; **земляно́й ~** тупроқ девор, кўтарма; 2 уюм; **сне́жные ~ы́** қор уюмлари; 3 пўртана, баланд тўлқин, долға; ✦ **девя́тый ~** тўққизинчи долға (энг кучли тўлқин); **огнево́й ~** олов девор (артиллерия ўти ёғдириб ҳосил бўлган олов девор).

ВАЛ II *м тех.* вал; **коле́нчатый ~** тирсакли вал; **приводно́й ~** юритувчи (юритма) вал.

ВАЛ III *м* ялпи маҳсулот; **план по ~у** ялпи маҳсулот плани.

ВАЛААМОВ: ~а осли́ца (заговори́ла) (*л. м.* Валаам жодугарнинг эшаги тилга кирди) оғзи йўқ, тили йўқ (қўйдан ювош) одам бирдан гап қайтариб қолди.

ВАЛА́НДАТЬСЯ *несов. прост.* и *обл.* 1 имилламоқ, ивирсиламоқ; имиллаб уриниб ётмоқ, овора бўлмоқ; 2 яқин (бирга) юрмоқ, ошначилик (борди-келди) қилмоқ, нон-қатиқ бўлмоқ.

ВАЛЕ́Ж/НИК *м собир.* синиб тушган дарахтлар, шохшаббалар.

ВАЛЁК *м, р.* **-лька́** 1 жўва, ғўла; **ката́ть груз на валька́х** юкни остига ғўла қўйиб силжитмоқ; 2 куракча (кирни жўвага ўраб текислашда ёки ювилган кирнинг сувини тўқмоқлаб чиқаришда ишлатиладиган ёғоч куракча); 3 *полигр.* валёк (терилган ҳарфларга бўёқ суртадиган ғўлача); 4 *с.-х.* валёк (ғўла шаклидаги ғалла янчиш асбоби); 5 валёк (эшкак дастаси); 6 аравaнинг шатакчи отлар қайиши боғланадиган ёғочи.

ВАЛЕ́НКИ *мн. (ед.* **ва́ленок** *м)* пийма, кигиз этик.

ВАЛЕ́НТНОСТЬ *ж хим.* валентлик (химиявий элемент атомининг бошқа элементлар атоми билан бирикиш ёки алмашиниш қобилияти).

ВАЛЕРИА́НА *ж* валериана (доривор ўтсимон ўсимлик).

ВАЛЕРИА́НОВ/ЫЙ, -ая, -ое валериана ўсимлигига оид; валерианадан тайёрланган; валериана...; **~ая насто́йка** валериана дамламаси; **~ые ка́пли** валерьянка; валерьянка томчиси.

ВАЛЕРЬЯ́НКА *ж разг. то же, что* **валериа́новые ка́пли** *см.* **валериа́новый.**

ВАЛЕ́Т *м карт.* валет, саллот; **бубно́вый ~** ғиштиннинг саллоти; ✦ **спать (лежа́ть) ~ом** бир-бирининг оёғига бош қўйиб ухламоқ.

ВАЛИДО́Л *м* валидол (томирларни кенгайтирадиган дори).

ВАЛИ́ТЬ I, валю́, ва́лишь *несов. кого-что* **1** *(сов.* **повали́ть** и **свали́ть**) қулатмоқ, ағдармоқ, ағнатмоқ, ётқизмоқ, йиқитмоқ; кесмоқ; 2 *(сов.* **свали́ть**) қирмоқ, ҳалок (нобуд) қилмоқ; **Подошла́ сиби́рская язва, ста́ла ~ скот** (Гл. Успенский) Куйдирги касаллиги тарқалиб, моллар қирила бошлади; 3 *(сов.* **свали́ть**) уймоқ, уйиб ташламоқ (қўймоқ); 4 *(сов.* **свали́ть**) тўнкамоқ, ағдармоқ; **~ вину́ на друго́го** айбни бировга тўнкамоқ, бировдан кўрмоқ; ✦ **~ с больно́й головы́ на здоро́вую** *см.* **больно́й; ~ через пень коло́ду** *см.* **коло́да.**

ВАЛИ́/ТЬ II, -и́т *несов.* 1 *разг.* тўпланиб (ёпирилиб, галалашиб) бормоқ (келмоқ); **наро́д ~т на пло́щадь** халқ майдонга ёпирилиб боряпти (келяпти); 2 буруқсамоқ, бурқираб чиқмоқ (тутун, буғ ва ш. к. ҳақида); гупиллаб ёғмоқ (қор ҳақида); **дым ~л из трубы́** тутун мўридан бурқираб чиқарди; мўридан паға-паға тутун чиқиб турар эди; **~л густо́й снег** қор гупиллаб (бўралаб) ёғарди (ёғ-

www.ziyouz.com kutubxonasi

моқда эди); 3 *пов.* **вали́(те)** *прост.* бор, жўна, қани бўл каби ундов маънолариии билдиради; ~ **домо́й!** жўна уйингга!; уйингга югур!

ВАЛИ́ТЬСЯ, валю́сь, ва́лишься *(сов.* **повали́ться и свали́ться)** 1 қуламоқ, йиқилмоқ, ағнамоқ, думаламоқ; тушиб кетмоқ; **на зе́млю ва́лятся подру́бленные дере́вья** кесилган дарахтлар ерга қуламоқда; 2 қирилмоқ, ҳалок (нобуд) бўлмоқ (ҳайвонлар ҳақида); 3 *страд. от* **вали́ть**; ✦ **ва́лится из рук** 1) бўлмаяпти, ўнгмаяпти, иш чиқмаяпти; 2) қўл ишга бормаяпти; ~ **в но́ги** оёққа йиқилмоқ, тиз чўкмоқ, ёлвормоқ; ~ **с ног** оёқдан ҳормоқ, чарчамоқ, ҳолдан тоймоқ, тинкаси қуримоқ.

ВА́ЛКА I *ж* қулатиш, йиқитиш, ағнатиш, кесиш; ~ **ле́са** ўрмон (дарахт) кесиш.

ВА́ЛКА II *ж* босиш; ~ **во́йлока** кигиз (намат) босиш.

ВА́ЛКИ *мн. (ед.* **валóк** *м)* 1 *уменьш. от* **вал** II кичкина валлар, валчалар; 2 *тех.* валки (кичкина жўвалаш, ёйиш машинаси); 3 *см.* **валóк.**

ВА́ЛК/ИЙ, -ая, -ое; -лок, -лка тез (осон, салга) ағнайдиган, оғадиган, ноустувор; ~**ое су́дно** тез (осон, салга) оғадиган кема; ✦ **ни ша́тко ни** ~**о** яхши ҳам эмас, ёмон ҳам эмас; ўрта-миёна.

ВАЛОВ/О́Й, -а́я, -о́е 1 ялпи, жами, ҳаммаси, умумий; ~**о́й дохо́д** ялпи даромад, умумий даромад; ~**а́я проду́кция** ялпи маҳсулот; ~**о́й сбор зерна́** ялпи дон ҳосили; 2 кўплаб, ёппасига, галалаб.

ВАЛО́К *м, р.* **-лка́** ўрилган ўт (ёки ғалла) уюми.

ВАЛО́М *нареч.* ёппасига, ялпи; дувуллаб; ~ **вали́ть** 1) ёпирилмоқ, ёпирилиб (галалашиб) келмоқ (бормоқ); гуриллаб (дувуллаб) келавермоқ; 2) аралаш-қуралаш уйиб ташламоқ; айқаш-уйқаш қилиб қўявермоқ.

ВАЛТО́РНА *ж* валторна (пуфлаб чалинадиган музика асбоби).

ВАЛТОРНИ́СТ *м* валторначи, валторна чалувчи.

ВАЛУ́Й *м* валуй (ейишли замбуруғ тури).

ВАЛУ́Н *м, р.* **-а́** валун (тоғ жинсларининг бўлаклари; юмалоқ катта тош).

ВАЛУ́ННЫЙ, -ая, -ое валунга оид, валун...

ВАЛУ́Х и **ВА́ЛУХ** *м обл.* ахта қўчқор.

ВАЛЬДШНЕ́П *м* ўрмон лойхўраги, якантовуқ.

ВАЛЬС *м* вальс (1 майин рақс тури ва унинг музикаси; **кружи́ться в** ~**е** вальсда (вальс тушиб) гир-гир айланмоқ; 2 шу рақс усулида ёзилган музика асари; ~**фанта́зия Гли́нки** Глинканинг вальс-фантазияси).

ВАЛЬСИ́РОВАТЬ *несов.* вальсга тушмоқ, вальсга тушиб гир-гир айланмоқ.

ВАЛЬЦЕВА́ТЬ *несов. что тех.* вальцовка қилмоқ, жўваламоқ, ёймоқ; ~ **желе́зо** темирни ёймоқ.

ВАЛЬЦО́ВКА *тех.* 1 *по гл.* **вальцева́ть**; 2 вальцовка (вальцовка қиладиган, жўвалайдиган, ёядиган машина).

ВАЛЬЦО́ВОЧНЫЙ, -ая, -ое *тех.* вальцовкага оид, вальцовка қиладиган; вальцовка...; ~ **цех** вальцовка цехи.

ВАЛЬЦО́ВЩИК *м* вальцовкачи (вальцовка машинасида ишловчи ишчи).

ВАЛЬЦО́ВЩИЦА *ж см.* **вальцо́вщик.**

ВАЛЬЦО́В/ЫЙ, -ая, -ое *тех.* валецли, жўвали; ~**ая ме́льница** валецли (жўвали) тегирмон.

ВА́ЛЬЦЫ *мн. тех.* 1 валецлар (жуфт-жуфт валлар, жўвалар); 2 шундай валлари бўлган станок, вальцовка станоги (дастгоҳи).

ВАЛЬЩИ́К *м* дарахт ағдарувчи (кесувчи) ишчи.

ВАЛЬЯЖНЫЙ, -ая, -ое, -жен, -жна *уст.* и *ирон.* савлатли, басавлат, келишган, кўркам.

ВАЛЮ́ТА *ж* 1 валюта, пул (бирор мамлакатнинг пул системаси ва унга асос қилиб олинган пул бирлиги); **золота́я** ~ олтин валюта (олтин пуллар асос қилиб олинган система); **иностра́нная** ~ чет эл валютаси (пули); 2 *собир.* валюта, чет эл пули (пуллари).

ВАЛЮ́ТН/ЫЙ, -ая, -ое валютага оид; валюта...; ~**ая поли́тика** валюта сиёсати; ✦ ~**ый курс** валюта курси (валюталарнинг бир-бирига нисбатан қадр-қиммати; бирор мамлакат пул бирлигининг бошқа мамлакат валютаси билан ифодаланган қиймати).

ВАЛЮ́ТЧИК *м разг.* валютафуруш (чет мамлакат пулини олиб-сотувчи савдогар).

ВАЛЯ́ЛЬНЫЙ, -ая, -ое кигиз (пийма, мовут ва ҳ. к.) босадиган.

ВАЛЯ́ЛЬНЯ *ж* кигиз (пийма, мовут ва ҳ. к.) босадиган жой, ишхона.

ВАЛЯ́ЛЬЩИК *м* кигизчи, наматчи, кигиз (намат) босувчи.

ВАЛЯ́ЛЬЩИЦА *ж* кигизчи аёл, намат босувчи аёл.

ВАЛЯ́НИЕ *с по гл.* **валя́ть** 1—3; ~ **сукна́** мовут босиш

ВАЛЯ́Н/ЫЙ, -ая, -ое босилган, жундан босиб қилинган, босма; ~**ые сапоги́** пийма; ~**ое сукно́** босма мовут.

ВАЛЯ́ТЬ *несов.* 1 *кого-что* думалатмоқ, ағнатмоқ, беламоқ, буламоқ; ~ **котле́ты в сухаря́х** котлетларни сухарга увоғига буламоқ (босмоқ); ~ **по́ полу** полда думалатмоқ ерга ағнатмоқ; 2 *(сов.* **свали́ть)** *что* босмоқ (намат, пийма ва ҳ. к.); ~ **во́йлок** намат босмоқ; 3 *(сов.* **свали́ть)** *что* зувалалламоқ, юмалоқламоқ; ~ **те́сто** хамирни зувалалламоқ 4 *(сов.* **свали́ть** и **навали́ть)** *что* и *без доп. прост.* палапартиш (наридан-бери) иш қилмоқ; 5 *пов.* **вали́й(те)** *то же, что* **вали́(те)** *см.* **вали́ть II**, 3; ✦ ~ **дурака́** *см.* **дура́к**

ВАЛЯ́/ТЬСЯ *несов.* 1 ағаналаб (думалаб) ётмоқ; у ёқдан-буёққа думаламоқ, ағанамоқ; **де́ти** ~**лись в траве́** болалар ўт устида ағаналаб ётишарди (у ёқдан-бу ёққа думалашарди); 2 *разг.* бекор (ёки тоби айниб) ётмоқ, узалиб тушиб ётмоқ, ётоқчиламоқ; 3 *разг.* бежо (тушиб) ётмоқ сочилиб ётмоқ; **бума́ги** ~**ются на полу́** қоғозлар полда сочилиб ётибди; 4 *страд. от* **валя́ть** 1—3; ✦ ~**ться в нога́х** оёгига бош урмоқ (йиқилмоқ); оёгига бош уриб сўрамоқ **на доро́ге** (или **на полу́, на у́лице**) **не** ~**ется** *что* ташлаб қўйиладиган (бекорга келадиган) нарса эмас.

вам, ва́ми *см.* **вы.**

ВАМПИ́Р *м* 1 катта кўршапалак; 2 вампир (баъзи славян халқларининг эътиқодига кўра гўрдан чиқиб одамларнинг қонини сўрувчи арвоҳ); 3 *перен.* қонхўр, золим.

ВАНА́ДИЕВЫ/Й, -ая, -ое ванадийга оид; ванадийли ванадий...; ~**е ста́ли** ванадийли пўлатлар.

ВАНА́ДИЙ *м* ванадий (химиявий элемент, металл).

ВАНДА́Л *м* вандал (1 *мн.* ~**ы** Рим империясининг бир қисмини босиб олиб, уни вайрон қилган қадимги герман қабиласи; 2 *перен.* маданий бойликларни оёқ ости қилувчи, ваҳший одам, варвар; 3 *перен.* маданиятсиз, жоҳил одам, нодон).

ВАНДАЛИ́ЗМ *м* вандализм (1 маданий ёдгорликларни ваҳшийларча вайрон, оёқ ости қилиш, йўқотиш; 2. *перен* маданиятсизлик, жаҳолат, нодонлик).

ВАНИЛИ́Н *м* ванилин (ваниль мевасидан олинадиган ёки сунъий хушбўй модда).

ВАНИЛИ́НОВЫЙ, -ая, -ое ванилинга оид; ванилинли ванилин...

ВАНИ́ЛЬ *ж* ваниль (1 хушбўй мевали тропик ўсимлик; 2 *собир.* шу ўсимликнинг кулинария ва парфюмерияда ишлатиладиган хушбўй ширин меваси).

ВАНИ́ЛЬНЫЙ, -ая, -ое ванилга оид; ванилли; ваниль...; ~ **са́хар** ванилли (ваниль қўшилган) шакар.

ВА́ННА *ж* ванна (1 чўмилиш ёки даволаниш учун белгиланган катта тос; 2 ваннада чўмилиш ёки даволаниш **приня́ть** ~**у** ванна қабул қилмоқ, ванна олмоқ; **ножна́я** ~**а** оёқ(лар)ни ваннага ботириб даволаш; 3 қуёш нурида очиқ ҳавода баданни тоблаш, даволаш; **со́лнечная** ~**а** қуёш ваннаси; **возду́шная** ~**а** ҳаво ваннаси; 4 *спец.* турли технологик процесслар учун белгиланган махсус идишлар)

ВА́ННАЯ *ж, р.* **-ой** ваннахона.

ВА́ННЫЙ, -ая, -ое ваннага оид; ванна...; ~**ая ко́мната** ваннахона.

ВА́НТЫ *мн. (ед.* **ва́нта** *ж) мор.* елканли кемаларда мачтани ушлаб турадиган йўғон арқонлар.

ВА́НЬКА *м, р. мн.* **-нек** *уст.* жўн (анчики) извошчи.

ВА́НЬКА-ВСТА́НЬКА *м* текетмас (ётқизиб қўйса, ўзи туриб кетадиган) қўғирчоқ.

ВАР *м* 1 қайнатилган смола, қатрон, қора мум; **сапо́жный** ~ этик муми; 2 *обл.* қайноқ сув; ✦ **сло́вно** ~**ом о́бдало** (устимдан) иссиқ сув қуйгандек бўлди.

ВАРАКУ́ШКА *ж, р.* **-шек** андалиб (булбулнинг бир тури)

ВАРА́Н *м* эчкемар.

ВАРВА́Р *м* 1 варвар (қадимги юнонларда ва румолик**ларда: маданиятдан орқада қолган чет элликларга берил**

www.ziyouz.com kutubxonasi

ган ном); 2 варвар, ваҳший, бадавий, маданият душмани; 3 маданиятсиз одам, жоҳил, нодон, варвар.

ВАРВАРИ́ЗМ *м уст.* варваризм (бошқа тилдан олинган; ўзлаштирувчи тилга тўла сингиб кетмаган сўз ва иборалар).

ВА́РВАРСК/ИЙ, -ая, -ое 1 *прил. от* **ва́рвар** 1 варварларга оид; варвар(лар)...; **~ие племена́** варварлар қабилалари; 2 варварларча, ёввойиларча, бадавийларча; ваҳшиёна; **~ое отноше́ние к па́мятникам культу́ры** маданият ёдгорликларига ёввойиларча (ваҳшийларча) муносабат; 3 шафқатсиз, берахм, ёвуз; **~ое ору́жие ма́ссового уничтоже́ния люде́й** одамларни ёппасига қирадиган ёвуз қурол; 4 жуда оддий, содда, қўпол, дағал; **~ие приёмы** жуда оддий (қўпол) усуллар.

ВА́РВАРСТВО *с* 1 *уст.* варварлик даври; 2 ваҳшийлик, ёввойилик, бадавийлик, жоҳиллик, золимлик, жаҳолат, даҳшат; 3 маданий бойликларга ёввойиларча муносабат, маданиятсизлик.

ВАРГА́НИТЬ *несов. (сов.* **сварга́нить)** *что прост.* қилмоқ, бажо келтирмоқ, дўндирмоқ.

ВА́РЕВО *с прост.* қайнатма овқат, суюқ ош.

ВАРЕ́ЖКИ *мн., р.* **-жек** *(ед.* **варе́жка** *ж)* бошмалдоқли қўлқоп.

ВАРЕНЕ́Ц *м, р.* **-нца́** қатиқ.

ВАРЕ́НИЕ *с* қайнатиш, пиширш.

ВАРЕ́НИКИ *мн. (ед.* **варе́ник** *м)* сузма (сабзавот ёки мева) солинган чучвара.

ВАРЁН/ЫЙ, -ая, -ое 1 қайнатилган, қайнатиб пиширилган, қайнатма; **~ое мя́со** қайнатиб пиширилган гўшт; 2 *спец.* қайнатиб тайёрланган; елим; 3 ланж, шалпайган, шалвираган, бўшашган.

ВАРЕ́НЬЕ *с* мураббо, қиём; **вишнёвое ~** олча мураббо(си).

ВАРИА́НТ *м* вариант (1 бўлиши мумкин бўлган ҳол ёки нарсаларнинг ҳар бири; **наибо́лее удо́бный ~ маршру́та** маршрутнинг энг қулай варианти, энг қулай маршрут; 2 бир-биридан фарқли, бошқача ишланган иш, асар ва ш. к. нинг ҳар бири; **~ы стихотворе́ния** шеърнинг вариантлари; **прое́кт в двух ~ах** икки вариантда ишланган проект; 3 *шахм.* мавжуд вазиятда қўлланилиши мумкин бўлган юришлар; **дебю́тные ~ы** дебют вариантлари).

ВАРИАЦИО́НН/ЫЙ, -ая, -ое вариацияга оид; вариациялардан иборат бўлган; вариацион; **~ый ряд в биоло́гии** биологияда вариацион қатор (вариациялар қатори); ✦ **~ое исчисле́ние** *мат.* вариацион ҳисоб (математик анализнинг муҳим тармоқларидан бири).

ВАРИА́ЦИ/Я *ж* вариация (1 жузъий ўзгариш; шундай ўзгариш натижасида юзага келган янги кўриниш, вариант; **Повторя́лась с не́которыми ~ями одна́ и та же сце́на** (Мамин-Сибиряк) Бир манзаранинг ўзи турли-туман жузъий ўзгаришлар билан такрорланар эди; 2 *муз.* бир мусиқий теманинг айрим элементлар — ритм-оҳанг, гармония ўзгариши натижасида юзага келган кўринишлари; 3 *биол.* ўсимлик ва ҳайвонлар зотининг, навининг жузъий ўзгаришлари; 4 *мн. ~и муз.* ўзгартирилган, қайта ишланган мусиқий асар; **~и на наро́дные пе́сни** халқ ашулалари асосида ишланган вариациялар).

ВАРИО́МЕТР *м* вариометр (1 радио аппаратлари занжиридаги индуктивликни текис ўзгартирувчи асбоб; 2 ер магнетизми, оғирлик кучи каби физик факторларнинг ўзгаришларини кузатадиган асбоб).

ВАРИ́ТЬ *несов. (сов.* **свари́ть)** *что* 1 қайнатмоқ, пиширмоқ, тайёрламоқ, қилмоқ; **~ мя́со** гўшт қайнатмоқ; гўштни қайнатиб пиширмоқ; **~ ко́фе** кофе тайёрламоқ; **~ варе́нье** мураббо қилмоқ; 2 *спец.* тайёрламоқ; эритмоқ; пиширмоқ; **~ пи́во** пиво пиширмоқ; **~ асфа́льт** асфальт тайёрламоқ; **~ сталь** пўлат эритмоқ; 3 *тех.* эритиб уламоқ, пайвандламоқ; ✦ **желу́док ва́рит** ошқозон овқатни ҳазм қилади; **голова́ ва́рит** *прост.* боши (мияси) ишлайди.

ВАРИ́ТЬСЯ *несов. (сов.* **свари́ться)** 1 қайнамоқ, пишмоқ; **в котле́ ва́рится суп** козонда шўрва қайнаяпти; 2 *страд. от* **вари́ть**; ✦ **~ в со́бственном соку́** ўз ёғида қовурилмоқ, ўз ҳолича қолиб қийналмоқ.

ВА́РКА *ж по гл.* **вари́ть; ~ обе́да** овқат пиширш; **~ желе́за** темир эритиш.

ВА́РКИЙ, -ая, -ое тез (дарров, осон) пишадиган, қайнайдиган.

ВАРНА́К *м, р.* **-а́** *обл.* сургундан қочган киши, қочқин.

ВА́РНИЦА *ж уст.* 1 шўр сувни қайнатиб туз оладиган корхона; 2 туз олиш учун шўр сув қайнатиладиган идиш.

ВАРФОЛО́МЕЕВСК/ИЙ: ~ая ночь Варфоломей кечаси (1 1572 йил 24 августга ўтар кечаси Парижда католиклар томонидан гугенотларга қарши уюштирилган қирғин; 2 *перен.* қирғин, хунрезлик).

ВАРЬЕТЕ́ *с нескл.* варьете (енгил жанрли эстрада театри).

ВАРЬИ́Р/ОВАТЬ *несов.* 1 *что* ўзгартирмоқ, турламоқ; турли вариантларда ишламоқ; **~овать расска́з** ҳикояни турли вариантларда ишламоқ (ёзмоқ, айтмоқ); 2 вариацияламоқ, ўзгартмоқ; **число́ ве́рсий ~ует от двух до четырёх** ривоятлар сони иккитадан тўрттагача.

ВАРЬИ́РОВАТЬСЯ, -руется *несов.* 1 вариацияланмоқ, ўзгармоқ; 2 *страд. от* **варьи́ровать.**

ВАРЯ́ГИ *мн. (ед.* **варя́г** *м)* 1 варяглар (викингларнинг рус манбаларидаги номи); 2 *перен. ирон.* келгиндилар.

ВАРЯ́ЖСКИЙ, -ая, -ое варяглар оид; варяг(лар)...

вас, (о) вас *см.* **вы; ~ не оказа́лось на ме́сте** сиз жойингизда йўқ экансиз; **у ~ го́сти?** сизникига (сизларникига) меҳмон келдими?; **без ~ мы не се́ли за стол** сизсиз (сиз бўлмасангиз) биз стол атрофига ўтирмаймиз; **о ~ всегда́ бу́дут по́мнить** сизни доимо эслаб юришади (ҳеч вақт унутишмайди).

ВАСИЛЁК *м, р.* **-лька́** бўтакўз; **~ голубо́й** зангори бўтакўз; **~ лугово́й** ўтлоқларда ўсадиган бўтакўз.

ВАСИЛИ́СК *м* 1 Жанубий Америкада яшайдиган калтакесакнинг бир тури; 2 *миф.* бир қараши барча жонзотни ўлдирадиган афсонавий махлуқ, аждаҳо.

ВАСИЛЬКО́В/ЫЙ, -ая, -ое *прил. от* **василёк** 1 бўтакўзга оид; бўтакўз...; 2 тўқ зангори ранг; **глаза́ ~ого цве́та** тўқ зангори ранг кўзлар.

ВАСИСДА́С *м уст.* дарча (эшик ёки дераза дарчаси).

ВАССА́Л *м* вассал (1 йирик феодалга — сюзеренга қарам бўлган феодал; 2 *перен.* қарам бўлган киши; тобе давлат; **~ы империали́зма** империализм вассаллари).

ВАССА́ЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое вассалларга оид; вассал...; **~ая зави́симость** вассаллик; вассаларнинг сюзеренларга қарамлиги; 2 қарам, тобе; **~ое госуда́рство** қарам (тобе) давлат.

ВА́ТА *ж* момиқ пахта; момиқ; **шерстяна́я ~** жун момиқ; **гигроскопи́ческая ~** гигроскопик пахта; **пальто́ на ва́те** пахтали пальто.

ВАТА́Г/А *ж* 1 *разг.* оломон, тўда, тўп, гала; **идти́ ~ой** тўп-тўп бўлиб бормоқ; тўдалашиб (галалашиб) бормоқ; **~а ребя́т** бир гала (тўда) бола; 2 *спец.* и *обл.* артель (асосан балиқчилар артели ҳақида).

ВАТА́ЖН/ЫЙ, -ая, -ое ватагага (балиқчилар артелига) оид; **~ое су́дно** балиқчилар артели кемаси.

ВА́ТЕР *м то же, что* **ватермаши́на.**

ВАТЕРКЛОЗЕ́Т *м уст.* унитазли ҳожатхона.

ВАТЕРЛИ́НИЯ *ж мор.* ватерлиния (кеманинг сувга ботиш чизиғи).

ВАТЕРМАШИ́НА *ж* ватермашина (ип йигирадиган машина тури).

ВАТЕРПА́С *м* ватерпас, адилак, шайтон.

ВАТЕРПОЛИ́СТ *м* ватерполист, ватерполо (сув полоси) ўйинчиси.

ВАТЕРПОЛИ́СТКА *ж, р. мн.* **-ток** *см.* **ватерполи́ст.**

ВАТЕРПО́ЛО *с нескл.* ватерполо, сув полоси (сувда тўп ўйини).

ВА́ТЕРЩИК *м* ватерчи (ватермашинада ишловчи ишчи).

ВА́ТЕРЩИЦА *ж см.* **ва́терщик.**

ВАТИ́Н *м* ватин (астар билан аврa орасига қўйиладиган сермомиқ мато).

ВАТИ́НОВЫЙ, -ая, -ое ватиндан қилинган, ватин солинган, ватинли; ватин...

ВА́ТКА *ж, р. мн.* **-ток** 1 *уменьш.-ласк. от* **ва́та;** 2 бир тутам пахта, момиқ.

ВА́ТМАН *м* ватман (чизмачилик қоғози).

ВА́ТМАНСК/ИЙ: ~ая бума́га *то же, что* **ва́тман.**

www.ziyouz.com kutubxonasi

ВА́ТНИК *м* пахтали кийим, пахтали куртка.

ВА́ТН/ЫЙ, -ая, -ое 1 пахтага, момиққа оид; пахта..., момиқ...; **~ая фа́брика** пахта (момиқ) фабрикаси; 2 пахтадан қилинган; пахта солинган; пахтали; **~ый хала́т** пахтали чопон, гуппи тўн; пахталик.

ВА́ТОЧНЫЙ, -ая, -ое *то же, что* **ва́тный.**

ВАТРУ́ШКА *ж, р. мн.* **-шек** ватрушка (сузмали парамач).

ВАТТ *м* ватт (электр қуввати ўлчов бирлиги).

ВАТТМЕ́ТР *м* ваттметр (электр токининг қувватини ўлчайдиган асбоб).

ВАТТ-СЕКУ́НДА *ж физ.* ватт-секунд.

ВАТТ-ЧА́С *м физ.* ватт-соат.

ВА́ФЕЛЬНИЦА *ж* вафли тайёрлайдиган қолип, вафли қолипи.

ВА́ФЕЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое вафлига оид; вафли...; **~ое произво́дство** вафли ишлаб чиқариш.

ВА́ФЛЯ *ж, р. мн.* **-фель** вафли (катак-катак юпқа печенье); **~ с кре́мом** кремли вафли.

ВАХЛА́К *м, р.* **-а́** *прост. уст.* эпашанг (эпсиз) одам, ношуд, лаванг, лабдир.

ВАХЛА́ЧКА *ж, р. мн.* **-чек** *см.* **вахла́к.**

ВА́ХМИСТР *м* вахмистр (чор армиясида: отлиқ аскарларнинг энг юқори унвони).

ВА́ХТ/А *ж* вахта (1 кемада навбатчилик, посбонлик, соқчилик; **ночна́я ~а** тунги вахта; **нести́ ~у** вахтада турмоқ, навбатчилик қилмоқ; 2 кема экипажининг навбатда турган, посбонлик қилаётган қисми; 3 муҳим объектлардаги навбатчилик, соқчилик; 4 *перен. чего* или *какая высок.* бирор кимса, нарса, воқеа шарафига шавқ-завқли меҳнат; **~а ми́ра** тинчлик вахтаси; **трудова́я ~а** меҳнат вахтаси; **уда́рная ~а** зарбдор вахта).

ВА́ХТЕННЫЙ, -ая, -ое 1 вахтага оид; вахта...; **~ нача́льник** вахта бошлиғи; **~ журна́л** *мор.* вахта журнали; 2 *в знач. сущ.* **~ м** вахтада турган навбатчи денгизчи.

ВАХТЁР *м* 1 вахтёр, қоровул; 2 қоровулбоши.

ВАШ, -а, -е *мест. притяж.* 1 сизнинг, сизларнинг, сизники; **~ друг** сизнинг дўстингиз; **~ и друзья́** сизнинг (сизларнинг) дўстларингиз; **~а статья́** сизнинг мақолангиз; **э́та кни́га не ~а?** бу китоб сизники эмасми?; **кто прав, по ~ему мне́нию?** сизнинг фикрингизча ким ҳақ(ли)?; 2 *в знач. сущ.* **~е** *с разг.* сизники, сизларники, сизга тегишли, қарашли; **~ его мне не ну́жно** сизники менга керак эмас; **зна́ю не ме́ньше ~ его** сиздан кам билмайман; 3 *в знач. сущ.* **~и** *мн.* сизникилар, сизнинг қариндош-уруғларингиз, одамларингиз; **куда́ ушли́ ~и?** сизникилар қаерга кетишди?; ✦ **де́ло ~е** бу сизнинг ишингиз; **не ~е де́ло** бу сизнинг ишингиз эмас; **во́ля ~а** ихтиёрингиз, ихтиёр ўзингизда.

ВА́ШГЕРД *м* вашгерд (қумни ювиб олтинга бой қисмини ажратиб оладиган қурилма).

ВАЯ́НИЕ *с* 1 *по гл.* **вая́ть;** 2 ҳайкалтарошлик.

ВАЯ́ТЕЛЬ *м уст.* ҳайкалтарош.

ВАЯ́ТЬ *несов.* (*сов.* **извая́ть**) *что* ҳайкал ясамоқ.

ВБЕГА́ТЬ *несов. см.* **вбежа́ть.**

ВБЕЖА́ТЬ, вбегу́, вбежи́шь *сов.* (*несов.* **вбега́ть**) югуриб кирмоқ; чопиб (чопганча) кириб келмоқ.

ВБИВА́ТЬ *несов. см.* **вбить.**

ВБИРА́ТЬ *несов. см.* **вобра́ть.**

ВБИТЬ, вобью́, вобьёшь *сов.* (*несов.* **вбива́ть**) *что во что* қоқмоқ, қоқиб киргизмоқ; **~ гвоздь в сте́ну** деворга мих қоқмоқ; ✦ **~ в го́лову** *кому* миясига ўрнаштирмоқ, қулоғига қуймоқ; бошини қотирмоқ; **~ себе́ в го́лову** *что* мияга ўрнаштириб олмоқ, қулоғига қуйиб олмоқ, мияга жо қилмоқ.

ВБЛИЗИ́ 1 *нареч.* яқинда, яқинида, ёнида, яқиндан; **~ от го́рода** шаҳар яқинида; **~ лежа́ла ма́ленькая дереву́шка** яқингинада кичкина қишлоқча бор эди; **рассмотре́ть ~** яқиндан кўрмоқ, яқиндан яхшилаб қарамоқ; 2 *предл. с р.* яқинида, ёнида; **~ до́ма** уйининг яқинида.

ВБОК *нареч. разг.* ёнига, биқинига, ёнбошига.

ВБРА́СЫВАТЬ *несов. см.* **вбро́сить.**

ВБРОД *нареч.* кечиб; сув кечиб; **перейти́ ре́ку ~** дарёни саёз жойидан кечиб ўтмоқ.

ВБРО́СИТЬ -о́шу, о́сишь *сов.* (*несов.* **вбра́сывать**) *что* 1 ичига ташламоқ, солмоқ, туширмоқ; **~ са́блю в но́жны** қилични қинига солмоқ; 2 *спорт.* яна ўйинга киргизмоқ; ташламоқ, ташлаб бермоқ; **~ша́йбу** шайбани яна ўйинга ташламоқ.

ВБУ́ХАТЬ *сов. что прост.* шов этиб тўкмоқ, ағдармоқ, бирданига кўп солмоқ, ташламоқ.

ВБУ́ХАТЬСЯ *сов. прост.* гуп этиб ағдарилмоқ, гуп этиб тушмоқ, (йиқилиб) шалп (шалоп) этиб тушмоқ.

ВВА́ЛИВАТЬ *несов. см.* **ввали́ть.**

ВВА́ЛИВАТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **ввали́ться;** 2 *страд. от* **вва́ливать.**

ВВАЛИ́ТЬ, ввалю́, вва́лишь *сов.* (*несов.* **вва́ливать**) 1 *что разг.* аранг қўймоқ, қийинчилик билан жойламоқ; 2 *прост.* ёпирилиб (гала бўлиб) кирмоқ; 3 *прост.* урмоқ, туширмоқ, солмоқ.

ВВАЛИ́ТЬСЯ, ввалю́сь, вва́лишься *сов.* (*несов.* **вва́ливаться**) 1 йиқилиб тушмоқ, ағдарилиб кетмоқ; **~ в я́му** чуқурга йиқилиб тушмоқ; 2 ич-ичига кириб (ботиб) кетмоқ, чўкиб кетмоқ; киртайиб қолмоқ; **у больно́го щёки ввали́лись** беморнинг юзлари киртайиб (ич-ичига ботиб) кетибди; 3 *разг.* тўсатдан бостириб кирмоқ; ҳовлиқиб кирмоқ, ўқмолича (ёки бемалол) кириб келмоқ; **~ толпо́й** тўп (тўда) бўлиб тўсатдан бостириб кирмоқ; **~ в ко́мнату** хонага ўқмолича (ёки бемалол) кириб келмоқ.

ВВА́РИВАТЬ *несов. см.* **ввари́ть.**

ВВАРИ́ТЬ, вварю́, вва́ришь *сов.* (*несов.* **вва́ривать**) *что* пайвандлаб (ичига) уламоқ, бириктирмоқ, пайвандлаб қўймоқ.

ВВЕДЕ́НИЕ *с* 1 *по гл.* **ввести́; ~ всео́бщего десятиле́тнего обуче́ния** умумий ўн йиллик таълимни жорий қилиш; 2 кириш, муқаддима, даромад; сўз боши; **~ к кни́ге** китобнинг муқаддимаси; 3 *во что* кириш (бирор фаннинг бошланғич маълумотлар, умумий тушунчалар берилган бўлими); **~ в языкозна́ние** тилшуносликка кириш.

ВВЕЗТИ́, -зу́, -зёшь; ввёз, ввезла́ *сов.* (*несов.* **ввози́ть**) *кого-что во что* 1 ташиб келтирмоқ, ичкарига ташиб қўймоқ; **~ това́р в страну́** мамлакатга четдан мол (ташиб) келтирмоқ; 2 юқорига ташиб қўймоқ, ташиб чиқмоқ.

ВВЕК *нареч.* 1 *уст.* абадий, умрбод, доимо; 2 *разг.* ҳеч қачон, сира, асло, ҳеч; **~ э́того не забу́ду** буни ҳеч қачон унутмайман.

ВВЕРГА́ТЬ *несов. см.* **вве́ргнуть.**

ВВЕРГА́ТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **вве́ргнуться;** 2 *страд. от* **вверга́ть.**

ВВЕ́РГНУТЬ, -ну, -нешь; вверг, -ла *сов.* (*несов.* **вверга́ть**) *кого-что* 1 зўр билан киритмоқ, ташламоқ; **~ в темни́цу** зиндонга ташламоқ; 2 *перен.* гирифтор (дучор) қилмоқ, йўлиқтирмоқ, туширмоқ солмоқ; **~ в отча́яние** умидсизликка солмоқ; **~ в беду́** балога гирифтор (дучор) қилмоқ, балога қўймоқ.

ВВЕ́РГНУТЬСЯ -нусь, -нешься; вве́ргся, -лась *сов.* (*несов.* **вверга́ться**) залвори билан тушмоқ (йиқилмоқ); зўрға (аранг) кирмоқ; куч билан бостириб (зўрлик билан) кириб келмоқ.

ВВЕ́РЗИТЬСЯ, -зишься *сов. прост.* йиқилиб (ағдарилиб) тушмоқ, тушиб кетмоқ; **~ в я́му** чуқурга йиқилиб (ағдарилиб) тушмоқ.

ВВЕ́РИТЬ *сов.* (*несов.* **вверя́ть**) *кого-что кому-чему* ишонмоқ, инонмоқ, ишониб топширмоқ, (бериб қўймоқ); ишониб айтмоқ; **~ та́йну дру́гу** дўстига сирни ишониб айтмоқ.

ВВЕ́РИТЬСЯ *сов.* (*несов.* **вверя́ться**) *кому-чему* инониб берилмоқ, ишониб кетмоқ, ишониб ихтиёрини бериб қўймоқ, эътимод қўймоқ.

ВВЕРНУ́ТЬ *сов.* (*несов.* **ввёртывать**) *что во что* 1 бураб киргизмоқ (қўймоқ); **~ ла́мпочку в патро́н** лампочкани патронга бураб киргизмоқ (қўймоқ); 2 *перен. разг.* луқма ташламоқ, сўз (гап) қистирмоқ; гапга аралашмоқ; **~ слове́чко** сўз (гап) қистирмоқ.

ВВЕРНУ́ТЬСЯ, -нётся *сов.* (*несов.* **ввёртываться**) 1 буралиб кирмоқ, буралмоқ; 2 *перен. разг.* ичига кирмоқ; тўсатдан кириб келмоқ.

ВВЕРСТА́ТЬ *сов.* (*несов.* **ввёрстывать**) *что полигр.* терилган нарсага (наборга, вёрсткага) қўшимча киритмоқ.

ВВЁРСТЫВАТЬ *несов. см.* **вверста́ть.**

www.ziyouz.com kutubxonasi

ВВЕРТЕТЬ, -рчу́, -рти́шь *сов. что во что то же, что* **ввернуть 1.**

ВВЁРТЫВАТЬ *несов. см.* **ввертеть** и **ввернуть.**

ВВЁРТЫВАТЬСЯ *несов.* 1 *то же, что* **ввернуться 1**; 2 *страд. от* **ввёртывать.**

ВВЕРХ *нареч.* 1 юқорига, тепага, юқори томонга; тепасига, устига; **подня́ться ~ по ле́стнице** зинадан юқорига кўтарилмоқ; 2 дарёнинг бошига, юқори томонига; **~ по реке́** дарёнинг бошига (юқори томонига); ✦ **~ дном** (или **~ нога́ми**) остин-устун, ағдар-тўнтар, айқаш-уйқаш; оёғи осмонда (осмондан); **ру́ки ~!** қўлингни кўтар!; **~ торма́шками** *см.* **торма́шки.**

ВВЕРХУ́ *нареч.* юқорида, баландда, тепада; тепасида, устида; осмонда.

ВВЕРЯТЬ *несов. см.* **ввери́ть.**

ВВЕРЯТЬСЯ *несов. см.* **ввери́ться.**

ВВЕСТИ́, введу́, -дёшь; ввёл, ввела́ *сов.* (*несов.* **вводи́ть**) 1 *кого-что во что* киргизмоқ, киритмоқ, олиб кирмоқ, дохил қилмоқ, бошлаб кирмоқ, киритиб қўймоқ **~ войска́ в го́род** шаҳарга қўшин киритмоқ; 2 *кого-что* киритмоқ, қўшмоқ, киритиб (қўшиб, ёзиб) қўймоқ; **~ в спи́сок** рўйхатга киритмоқ; **~ в соста́в** составга киритмоқ (қўшмоқ, қўшиб қўймоқ); 3 *что* қўшмоқ, аралаштирмоқ, солмоқ; қуймоқ; **~ в по́чву удобре́ние** ерга ўғит солмоқ; **~ в организ́м лека́рство** организмга дори қуймоқ; 4 дучор қилмоқ, бирор ҳолга солмоқ (туширмоқ); **~ в обма́н** алдамоқ; **~ в заблужде́ние** чалғитмоқ, адаштирмоқ; **~ в расхо́д** чиқимдор қилмоқ; 5 *что* расм қилмоқ, жорий қилмоқ, амалга оширмоқ, бошлаб бермоқ; **~ в употребле́ние** истеъмолга киритмоқ; **~ в де́йствие** амалга киритмоқ; жорий қилмоқ; **~ зако́н** қонунни жорий қилмоқ; **~ в курс** таништирмоқ, хабардор қилмоқ; ✦ **~ во владе́ние** (или **в насле́дство**) мулкни меросхўрга топширмоқ (ўтказмоқ), меросхўр қилиб тайинламоқ; **~ в строй** ишга туширмоқ.

ВВЕСТИ́СЬ, введётся; ввёлся, ввела́сь *сов.* (*несов.* **вводи́ться**) расм бўлмоқ, жорий бўлмоқ; амалга ошмоқ; ишга тушмоқ.

ВВЕЧЕРУ́ *нареч. уст.* кечқурун, оқшомда, кечки пайтда, кеч кирганда.

ВВИВА́ТЬ *несов. см.* **ввить.**

ВВИДУ́ *предлог с р.* сабабли, сабабдан, боисдан; ... гани учун (сабабли); назарда тутиб, эътиборга олиб; **~ боле́зни** касаллиги сабабли; **~ э́того** шу сабабли, шу боисдан, шунинг учун; **~ недоста́тка вре́мени** вақт озлигидан.

ВВИНТИ́ТЬ, -нчу́, -нти́шь *сов.* (*несов.* **ввинчивать**) *что* бурамоқ, бураб қўймоқ, бураб киргизмоқ; **~ винт** винтни бураб киргизмоқ (қўймоқ); **~ ла́мпочку в патро́н** лампочкани патронга бураб киргизмоқ (қўймоқ).

ВВИНТИ́ТЬСЯ, -и́тся *сов.* (*несов.* **ввинчиваться**) буралмоқ, бураб киргизилмоқ.

ВВИНЧИВАТЬ *несов. см.* **ввинти́ть.**

ВВИНЧИВАТЬСЯ, -ается *несов.* 1 *см.* **ввинти́ться**; 2 *страд. от* **ввинчивать.**

ВВИТЬ, вовью́, вовьёшь *сов.* (*несов.* **вива́ть**) қўшиб ўрмоқ, қўшиб эшмоқ (ҳимармоқ); **~ в ко́су ле́нту** лентани соч билан (сочга) қўшиб ўрмоқ; **в шнур ввита́ золота́я нить** шнурга зарҳал ип қўшиб эшилган.

ВВОД *м* 1 *по гл.* **ввести́** 1—3; **~ заво́да в эксплуата́цию** заводни ишга тушириш; 2 *спец.* киритилиш (ўтказиш) ўрни, жойи; ўтказиш; **~ ка́беля** кабель ўтказилган жой; кабель ўтказиш; ✦ **~ во владе́ние** (или **в насле́дство**) мулкни меросхўрга топшириш (ўтказиш); меросхўр қилиб тайинлаш.

ВВОДИ́ТЬ, ввожу́, вво́дишь *несов. см.* **ввести́.**

ВВОДИ́ТЬСЯ, вво́дится *несов.* 1 *см.* **ввести́сь**; 2 *страд. от* **вводи́ть.**

ВВО́ДН/ЫЙ, -ая, -ое 1 киритиладиган; киритиш...; **~ое отве́рстие** киритиш (бирор нарса киритиладиган) тешик; **~ое устро́йство** киритиш қурилмаси; 2 кириш, даромад; **~ая ле́кция** кириш лекцияси; 3 қўшимча қилиб киритилган, қўшимча; ✦ **~ое сло́во** *грам.* кириш сўз; **~ое предложе́ние** *грам.* кириш гап.

ВВОЗ *м* 1 *по гл.* **ввезти́ — ввози́ть**; **~ това́ра в отдалённые райо́ны** узоқ районларга мол келтириш; 2 *эк.* импорт, чет элдан келтириладиган мол миқдори.

ВВОЗИ́ТЬ, ввожу́, вво́зишь *см.* **ввезти́.**

ВВОЗНО́Й, -ая, -ое и **ВВО́ЗН/ЫЙ, -ая, -ое** 1 ташиб келтириладиган (келтирилган); олиб келинадиган (келинган); **~ый това́р** четдан келтирилган (келтириладиган) мол; 2 четдан келтирилган молдан олинадиган; **~ая по́шлина** четдан келтириладиган молдан олинадиган бож.

ВВОЛА́КИВАТЬ *несов. см.* **вволо́чь.**

ВВОЛО́ЧЬ, -оку́, -очёшь; вволо́к, -ла́ *сов.* (*несов.* **ввола́кивать**) *что прост.* судраб киритмоқ, судраб олиб кирмоқ.

ВВО́ЛЮ *нареч. разг.* мириқиб, тўйиб, обдан, хоҳлаганча, истаганча; мўл, етарли, бемалол.

ВВО́СЬМЕРО *нареч.* саккиз марта, саккиз карра; **~ бо́льше** саккиз марта кўп (катта); **сложи́ть бума́гу ~** қоғозни саккиз букламоқ.

ВВО́СЬМЕРОМ *нареч.* саккизовлон, саккиз киши бўлиб, саккиз кишилашиб, саккиз киши; **пришли́ ~** саккиз киши бўлиб келишди (келдик).

В-ВОСЬМЫХ *вводн. сл.* саккизинчидан.

ВВЫСЬ *нареч.* юқорига, баландга, осмонга, юксакка; **подня́ться ~** баландга (юқорига) кўтарилмоқ, осмонга чиқмоқ.

ВВЯЗА́ТЬ, ввяжу́, ввя́жешь *сов.* (*несов.* **ввя́зывать**) 1 *что во что* қўшиб тўқимоқ, қўшиб ўрмоқ, тўқиб уламоқ; **~ пя́тку в чуло́к** пайпоққа товон тўқимоқ; 2 *перен. кого-что во что разг.* аралаштирмоқ, қотиштирмоқ, тортмоқ.

ВВЯЗА́ТЬСЯ *сов.* (*несов.* **ввя́зываться**) *во что разг.* аралашмоқ, қотишмоқ, суқилмоқ; **заче́м ты ввяза́лся в э́то де́ло?** нега сен бу ишга аралашиб қолдинг?; **~ в разгово́р** гапга аралашмоқ.

ВВЯЗЫВАТЬ *несов. см.* **ввяза́ть.**

ВВЯЗЫВАТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **ввяза́ться**; 2 *страд. от* **ввя́зывать.**

ВГИБ *м* ботиқ, эгик, букик; ичига ботган (ботиқ) жой.

ВГИБА́ТЬ *несов. см.* **вогну́ть.**

ВГИБА́ТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **вогну́ться**; 2 *страд. от* **вгиба́ть.**

ВГЛУБЬ *нареч.* ичкари, ичкари томон, ичкарига; остига, тагига, чуқур; **опусти́ться ~** тагига (чуқур) тушмоқ.

ВГЛЯДЕ́ТЬСЯ, вгляжу́сь, вгляди́шься *сов.* (*несов.* **вгля́дываться**) 1 тикилмоқ, тикилиб қарамоқ; синчиклаб қарамоқ; **~ в фотогра́фию** фотосуратга тикилиб қарамоқ; 2 қарайвериб (кўравериб) кўзи ўрганмоқ.

ВГЛЯДЫВА́ТЬСЯ *несов. см.* **вгляде́ться.**

ВГНЕЗДИ́ТЬСЯ, -и́тся *сов.* ўрнашиб қолмоқ, маҳкам жойлашиб олмоқ, томир отмоқ.

ВГОНЯ́ТЬ *несов. см.* **вогна́ть.**

ВГОРЯЧА́Х *нареч. прост.* жаҳл (қизиқ) устида, ғазабланганда, қизишиб.

ВГРЫЗА́ТЬСЯ *несов. см.* **вгры́зться.**

ВГРЫ́ЗТЬСЯ *сов.* (*несов.* **вгрыза́ться**) қаттиқ тишламоқ, тишлаб хиппа бўғмоқ.

ВДАВА́ТЬСЯ, вдаю́сь, вдаёшься *несов.* (*сов.* **вда́ться**) 1 ичкари (ёриб) кирмоқ, ичкари кирган бўлмоқ; **вглубь материка́ вдаётся зали́в** қўлтиқ қитъа ичкарисига ёриб кирган; 2 берилмоқ; **~ в подро́бности** тафсилотларга берилмоқ.

ВДАВИ́ТЬ, вдавлю́, вда́вишь *сов.* (*несов.* **вда́вливать**) *что* 1 босиб (сиқиб) киргизмоқ; босиб (эзиб) қапиштириб юбормоқ, ботирмоқ; **~ про́бку в буты́лку** пробкани босиб шишага киргизмоқ; **~ оку́рок в зе́млю** папирос қолдиғини босиб ерга қапиштириб юбормоқ, эзғилаб ташламоқ; 2 босиб эгмоқ, чуқур қилмоқ.

ВДАВИ́ТЬСЯ, вдавлю́сь, вда́вишься *сов.* (*несов.* **вда́вливаться**) 1 тиқилиб (сиқилиб) кирмоқ, ботмоқ; 2 эзилмоқ, эгилмоқ, ичига ботмоқ.

ВДА́ВЛИВАТЬ *несов. см.* **вдави́ть.**

ВДА́ВЛИВАТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **вдави́ться**; 2 *страд. от* **вда́вливать.**

ВДА́ЛБЛИВАТЬ *несов. см.* **вдолби́ть.**

ВДАЛЕКЕ́ *нареч. то же, что* **вдали́.**

ВДАЛИ́ *нареч.* йироқда, узоқда, олисда, аллақаёқда, анча нарида; **ста́нция располо́жена ~ от го́рода** станция шаҳардан анча узоқда (нарида) жойлашган; **~ черне́л лес** узоқда ўрмон қорайиб кўринарди; **~ от люде́й** одамлардан йироқда, узлатда, гўшанишинликда.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ВДАЛЬ *нареч.* йироққа, узоққа, олисга; аллақаерларга; **смотре́ть ~** олисга қарамоқ.

ВДА́ТЬСЯ, -вда́мся, вда́шься *сов. см.* **вдава́ться.**

ВДВИГА́ТЬ *несов. см.* **вдви́нуть.**

ВДВИГА́ТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **вдви́нуться;** 2 *страд. от* **вдвига́ть.**

ВДВИ́НУТЬ *сов. (несов.* **вдвига́ть)** *что* суриб (итариб) киргизмоқ, суқмоқ.

ВДВИ́НУ/ТЬСЯ *сов. (несов.* **вдвига́ться)** жойига кирмоқ, тушмоқ, сурилмоқ; **я́щик стола́ с трудо́м ~лся** стол яшиги аранг жойига сурилди.

ВДВО́Е *нареч.* икки баравар, икки марта, икки карра, икки ҳисса, икки топкир; **~ бо́льше** икки марта кўп (катта); **сложи́ть лист бума́ги ~** қоғозни икки букламоқ.

ВДВОЁМ *нареч.* икков, икковлон, икки киши бўлиб, икки кишилашиб, икки киши; иккиовора; **жить ~** икков яшамоқ.

ВДВОЙНЕ́ *нареч.* икки ҳисса қилиб, икки марта ортиқ, икки баравар кўп; **заплати́ть ~** икки ҳисса (қилиб) тўламоқ.

ВДЕВА́ЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое тақадиган, тақиладиган, ўгказиладиган; **~ая игла́** ип ўтказиладиган нина.

ВДЕВА́ТЬ *несов. см.* **вдеть.**

ВДЕВА́ТЬСЯ, -а́ется *несов.* 1 *см.* **вде́ться;** 2 *страд. от* **вдева́ть.**

ВДЕ́ВЯТЕРО *нареч.* тўққиз марта, тўққиз карра, тўққиз ҳисса, тўққиз баробар; **~ ме́ньше** тўққиз марта кам (кичик); **увели́чить ~** тўққиз марта кўпайтирмоқ (оширмоқ, катталаштирмоқ).

ВДЕВЯТЕРО́М *нареч.* тўққизов, тўққизовлаб, тўққиз кишилашиб, тўққиз киши бўлиб, тўққиз киши.

В-ДЕВЯТЫХ *вводн. сл.* тўққизинчидан.

ВДЕ́ЛАТЬ *сов. (несов.* **вде́лывать)** *что* ичига жойлаб (ўйиб) ишламоқ, ўрнатмоқ, солмоқ; **~ ка́мень в кольцо́** узукка кўз солмоқ; **~ ште́псельную розе́тку в сте́ну** штепсель розеткасини деворга ўйиб ўрнатмоқ.

ВДЕ́ЛАТЬСЯ, -ается *сов (несов.* **вде́лываться)** ичига жойлаб (ўйиб) ишланмоқ, ўрнатилмоқ, солинмоқ.

ВДЕ́ЛЫВАТЬ *несов. см.* **вде́лать.**

ВДЕ́ЛЫВАТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **вде́латься;** 2 *страд. от* **вде́лывать.**

ВДЕ́РГИВАТЬ *несов. см.* **вдёрнуть.**

ВДЕ́РЖКА *ж разг.* 1 тақиш, ўтказиш; 2 игна, сўзан, жуволдиз; 3 игнага (жуволдизга, сўзанга) ўтказилган ип.

ВДЕ́РНУТЬ *сов. (несов.* **вдёргивать)** *что* тақмоқ, ўтказмоқ; **~ ни́тку в иглу́** игнага ип ўтказмоқ.

ВДЕ́СЯТЕРО *нареч.* ўн марта, ўн карра, ўн ҳисса, ўн баравар; **~ лу́чше** ўн марта яхши; **увели́чить ~** ўн марта кўпайтирмоқ; (оширмоқ, катталаштирмоқ); **сложи́ть ~** ўн букламоқ.

ВДЕСЯТЕРО́М *нареч.* ўнов, ўновлаб, ўновлон, ўн кишилашиб, ўн киши бўлиб, ўн киши.

В-ДЕСЯТЫХ *вводн. сл.* ўнинчидан.

ВДЕТЬ, вде́ну, вде́нешь *сов. (несов.* **вдева́ть)** *что* ўтказмоқ, тақмоқ, тиқмоқ, киргизмоқ; **~ ни́тку в иглу́** игнага ип ўтказмоқ; **~ но́гу в стре́мя** оёқни узангига тиқмоқ (киргизмоқ, қўймоқ).

ВДЕ́ТЬСЯ, вде́нется *сов. (несов.* **вдева́ться)** ўтмоқ, кирмоқ, ўтказилмоқ, тақилмоқ.

ВДОБА́ВОК *нареч. разг.* ...нинг устига, устига-устак, ...дан ташқари, қўшимчасига, яна, тағин; **ста́рое, да ~ дыря́вое** эскириб қолган, бунинг устига тешик.

ВДОВА́ *ж, мн.* **вдо́вы** бева, есир, тул (хотин); **✦ соло́менная ~** *шутл.* эридан вақтинча айриликда бўлган аёл.

ВДОВЕ́ТЬ *несов.* бева қолмоқ, тул қолмоқ.

ВДОВЕ́Ц *м, р.* **-вца́** бева киши.

ВДО́В/ИЙ, -ья -ье беваларга оид, хос, қарашли; бевасларники.

ВДОВИ́ЦА *ж уст. то же, что* **вдова́.**

ВДО́ВОЛЬ *нареч.* 1 мириқиб, тўйиб, тўйгунча, қонгунча; обдан, хўп, роса: 2 *в знач. сказ.* сероб, мўл, кўп, бемалол, истаганча, етарли; **у нас всего́ ~** бизда ҳамма нарса сероб (етарли).

ВДОВСТВО́ *с* бевалик, есирлик, туллик.

ВДОВСТВОВАТЬ *несов. то же, что* **вдове́ть.**

ВДОВУ́ШКА *ж, р. мн.* **-шек** *разг. ласк. от* **вдова.**

ВДО́ВЫЙ, -ая бева (тул) қолган, бева.

ВДОГО́Н *нареч. прост. то же, что* **вдого́нку.**

ВДОГО́НКУ *нареч.* орқасидан (кетидан) қувиб; изма-из, кетма-кет; **бежа́ть ~ *за кем-л.*** изма-из қувиб бормоқ; **посла́ть письмо́ ~** кетма-кет (кетидан) хат юбормоқ.

ВДОЛБИ́ТЬ, -блю́, -би́шь *сов. (несов.* **вдалбливать)** *что* 1 қоқмоқ, қоқиб (уриб) киргизмоқ; 2 *прост.* миясига қуймоқ, уқтирмоқ, зўр бериб тушунтирмоқ.

ВДОЛЬ 1 *нареч.* бўйига, бўйламасига, узунасига; **разре́зать матери́ю ~** газмолни узунасига қирқмоқ; 2 *предлог с р.* бўйлаб, ёқалаб; **идти́ ~ бе́рега** қирғоқ бўйлаб бормоқ (юрмоқ); **~ доро́ги** йўл бўйлаб (ёқалаб); **✦ ~ и поперёк** 1) ҳам бўйига, ҳам энига; 2) ҳамма томонидан, ҳар тарафлама, ичидан игнасигача, мукаммал равишда; бошидан охиригача; **изъе́здить страну́ ~ и поперёк** мамлакатнинг ҳамма ёғини кезиб чиқмоқ; **я изучи́л вопро́с ~ и поперёк** мен масалани ҳар тарафлама ўрганиб чиқдим; **я зна́ю э́то ~ и поперёк** мен буни сувдай (беш бармоқдай) биламан.

ВДОСТА́ЛЬ *нареч. прост. то же, что* **вдово́ль.**

ВДОХ *м* нафас (тин) олиш; нафас, тин; **сде́лать глубо́кий ~** чуқур нафас олмоқ.

ВДОХНОВЕ́НИЕ *с* илҳом; илҳомланиш, руҳланиш, кўтаринки руҳ; **твóрческое ~** ижодий илҳом, ижоднинг жўш уриши; **рабо́тать с ~м** илҳом билан ишламоқ, руҳланиб (кўтаринки руҳ билан) ишламоқ.

ВДОХНОВЕ́ННО *нареч.* илҳом билан, илҳомланиб, руҳланиб, завқланиб, кўтаринки руҳ билан.

ВДОХНОВЕ́ННОСТЬ *ж* илҳомланганлик, руҳланганлик, руҳий кўтаринкилик.

ВДОХНОВЕ́ННЫЙ, -ая, -ое; -е́нен, -е́нна *высок.* 1 илҳоми жўш урган, илҳомга тўлган, илҳомли, сердавқ; **~ по́эт** илҳомли (сердавқ) шоир; **~ труд** илҳомли (илҳомга тўлган) меҳнат; 2 илҳомланган, руҳланган; руҳи кўтарилган, руҳи баланд; **~ взгля́д** руҳланган нигоҳ.

ВДОХНОВИ́ТЕЛЬ *м высок.* илҳомчи, илҳомлантирувчи; **па́ртия — ~ и организа́тор всех на́ших побе́д** партия барча ғалабаларимизнинг илҳомчиси ва ташкилотчисидир.

ВДОХНОВИ́ТЕЛЬНИЦА *ж высок. см.* **вдохнови́тель.**

ВДОХНОВИ́ТЕЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое *уст.* илҳомбахш, илҳом берадиган, илҳомлантирадиган, руҳлантирадиган, завқ туғдирадиган, рағбатлантирадиган.

ВДОХНОВИ́ТЬ, -влю́, -ви́шь *сов. (несов.* **вдохновля́ть)** *высок.* 1 *кого-что* илҳомлантирмоқ, илҳом бахш этмоқ, илҳом бермоқ, руҳини кўтармоқ, руҳлантирмоқ, завқлантирмоқ; 2 *кого-что на что* отлантирмоқ, ғайратлантирмоқ, рағбатлантирмоқ; **~ на по́двиги** жасоратларга отлантирмоқ.

ВДОХНОВИ́ТЬСЯ, -влю́сь, -ви́шься *сов. (несов.* **вдохновля́ться)** илҳомланмоқ, руҳланмоқ, завқланмоқ, рағбатланмоқ.

ВДОХНОВЛЯ́ТЬ *несов. см.* **вдохнови́ть.**

ВДОХНОВЛЯ́ТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **вдохнови́ться;** 2 *страд. от* **вдохновля́ть.**

ВДОХНУ́ТЬ *сов.* 1 *(несов.* **вдыха́ть)** *что* нафас олмоқ, тин олмоқ; **~ све́жий во́здух** тоза ҳаво олмоқ; 2 *перен. что в кого-что* жонлантирмоқ; бирор фикр (ҳис) уйғотмоқ, руҳлантирмоқ, бермоқ, бағишламоқ, бахш этмоқ; **~ *в кого-л.*** **бо́дрость** тетиклик бағишламоқ (бахш этмоқ), тетиклантирмоқ, руҳлантирмоқ.

ВДРЕБЕЗГИ *нареч.* 1 кул-кул, чил-чил, чил-парчин, парча-парча, майда-майда, пачақ-пачақ; **разби́ть ~** чил-чил қилмоқ, синдириб чил-парчин қилмоқ; 2 *разг. то же, что* **вдрызг 2; он ~ пьян** у ғирт маст, у ўлгудай маст; **~ проигра́ться** батамом ютқизмоқ, бор-йўғини бой бериб қўймоқ.

ВДРУГ *нареч.* 1 дафъатан, дабдурустдан, тўсатдан, бирдан, қўққисидан, бехосдан, ттиғоқо, баногоҳ, ногоҳ, лоп этиб; **~ разда́лся вы́стрел** бирдан ўқ отилиб қолди (овози эшитилди); 2 *в знач. частицы разг.* башарти, балки; **~ он не придёт?** башарти у келмай қолса, у келмай қолса-чи?; 3 бирдашига, бараварига, ёпирилиб; **все ~** ҳаммаси бирданига (ёпирилиб); 4 *уст.* тез, бир зумда.

ВДРЫЗГ *нареч.* 1 чил-чил, тилка-пора; 2 ғирт, ўлгудай, қаттиқ; **напи́ться ~** ўлгудай ичмоқ; **проигра́ться ~** батамом ютқизмоқ, бор-йўғини бой бермоқ.

ВДУВА́ТЬ *несов. см.* **вдуть.**

www.ziyouz.com kutubxonasi

ВДУВНО́Й, -а́я, -о́е пуфланадиган; дамланадиган, дам бериладиган.

ВДУМАТЬСЯ *сов. (несов.* **вду́мываться)** *во что* обдан ўйламоқ, чуқур мулоҳаза қилмоқ, ўйлаб кўрмоқ; ~ **в смысл статьи́** мақоланинг маъносини (мағзини) чақмоқ, мақоланинг мазмунига тушуниб етмоқ.

ВДУМЧИВО *нареч.* обдан ўйлаб, чуқур мулоҳаза қилиб (билан).

ВДУМЧИВОСТЬ *ж* ўйчанлик, сермулоҳазалик, чуқур ўйлаш, фикр қилиш.

ВДУ́МЧИВ/ЫЙ, -ая, -ое 1 ўйлаб иш қилувчи, сермулоҳаза, чуқур фикрли; ~**ое отноше́ние к де́лу** ўйлаб (мулоҳаза билан) иш қилиш; 2 ўйчан; ~**ое лицо́** ўйчан чеҳра.

ВДУМЫВАТЬСЯ *несов. см.* **вду́маться.**

ВДУНУТЬ *сов.* и *однокр. см.* **вдува́ть.**

ВДУТЬ *сов. (несов.* **вдува́ть)** *что* пуфламоқ, пуфлаб ҳаво киргизмоқ (ҳаво билан тўлдирмоқ), дам бермоқ; ~ **во́здух в ка́меру** камерага дам бермоқ.

ВДЫХА́НИЕ *с* нафас (тин) олиш, ўпкага ҳаво олиш.

ВДЫХА́ТЕЛЬНЫЙ, -ая, -ое нафас олишга оид; нафас оладиган; нафас олиш...; ~ **кла́пан** нафас оладиган клапан.

ВДЫХА́ТЬ *несов. см.* **вдохну́ть.**

ВЕГЕТАРИА́НЕЦ *м, р.* **-нца** эт емас, вегетариан (фақат сабзавот ва сутли овқатларни истеъмол қилувчи одам).

ВЕГЕТАРИА́НКА *ж, р. мн.* **-нок** эт емас аёл, вегетарианка.

ВЕГЕТАРИА́НСК/ИЙ, -ая, -ое вегетарианлар учун белгиланган; гўштсиз; ~**ая пи́ща** гўштсиз овқат; ~**ая столо́вая** вегетарианлар ошхонаси.

ВЕГЕТАРИА́НСТВО *с* вегетарианлик, эт (гўшт) емаслик.

ВЕГЕТАТИ́ВН/ЫЙ, -ая, -ое *биол.* озиқланиб ўсиш билан боғлиқ бўлган, шунинг учун хизмат қиладиган, вегетатив; ~**ые о́рганы расте́ния** ўсимликларнинг вегетатив органлари (илдиз, поя, барглар); ✦ ~**ое размноже́ние** *биол.* вегетатив (жинссиз, яъни қаламча, пархиш ва ҳ. к. йўллар билан) кўпайиш ёки кўпайтириш; ~**ая не́рвная систе́ма** *физиол.* вегетатив нерв системаси (нерв системасининг ички органлар фаолиятини идора қилувчи қисми).

ВЕГЕТАЦИО́ННЫЙ, -ая, -ое *бот.* вегетацияга оид; вегетацион; ўсиш...; вегетация...; ~ **пери́од** ўсиш (вегетация) даври.

ВЕГЕТА́ЦИЯ *ж бот.* вегетация, ўсиш.

ВЕ́ДА/ТЬ *несов.* 1 *что уст.* билмоқ, хабардор бўлмоқ, воқиф бўлмоқ; **сам не ~ет, что де́лает** нима қилаётганини ўзи ҳам билмайди; 2 *что уст.* бошдан кечирмоқ, кўрмоқ, тортмоқ, чекмоқ, ҳис этмоқ; 3 *чем* идора қилмоқ, бошқармоқ, назорат қилмоқ, қарамоқ; ~**ть отде́лом** бўлимни идора қилмоқ (бошқармоқ); бўлимга бошчилик қилмоқ.

ВЕ́ДЕНИ/Е *с* бошқарма, идора, тасарруф, қарамоқ, ихтиёр; **э́то в его́ ~и** бу унинг қарамогида (ихтиёрида); бу унга қарайди.

ВЕДЕ́НИЕ *с по гл.* **вести́ 1—5, 8; ~ де́ла** ишни бошқариш, иш юритиш; ~ **хозя́йства** хўжаликни бошқариш; ~ **заседа́ния** мажлисни бошқариш (олиб бориш).

ВЕДЁРКО *с, р. мн.* **-рок** *уменьш. от* **ведро́** 1 кичкина челак, челакча, пақирча.

ВЕДЕ́РН/ЫЙ, -ая, -ое 1 челакка, пақирга оид; челак..., пақир...; ~**ая ду́жка** челакнинг банди; 2 бир челак келадиган; бир челаклик; ~**ый боча́нок** бир челак келадиган бочка; бир челаклик бочка.

ВЕДИ́ЗМ *м* ведизм, веда дини (Ҳиндистондаги энг қадимги дин).

ВЕДОВСТВО́ *с уст.* фолбинлик, жодугарлик, жоду.

ВЕ́ДОМ, -а, -о *уст.* маълум; **ему́ не ~ страх** у қўрқувни билмайди.

ВЕ́ДОМ/О I: с ~**а** *чьего* рухсати (розилиги, ижозати) билан; **без ~а** *чьего* рухсатисиз, розилигисиз, ижозат олмай.

ВЕ́ДОМО II *вводн. сл. уст.* маълумки, маълум.

ВЕДОМОСТ/Ь *ж* 1 ведомость; ~**ь расхо́дов** харажатлар ведомости; **расчётная ~ь** ҳисоб-китоб ведомости; 2 *мн.* ~**и** ведомостлар, ахборотнома; **Ве́домости Верхо́вного Сове́та СССР** СССР Олий Советининг ведомостлари (ахборотномаси).

ВЕ́ДОМСТВЕННЫ/Й, -ая, -ое бирор идорага (корхонага) оид, қарашли; бирор идора (корхона) ихтиёридаги; ~**е издания** бирор идоранинг расмий нашрлари; ✦ ~**е барье́ры** маҳкамачилик тўсиқлари.

ВЕ́ДОМСТВО *с* муассаса, идора, бошқарма, маҳкама; **тамо́женное ~** божхона.

ВЕ́ДОМ/ЫЙ, -ая, -ое 1 *уст.* маълум, таниш; 2 *в знач. сущ.* ~**о: с ~а, без ~а** *см.* **ве́домо I.**

ВЕДОМ/ЫЙ, -ая, -ое 1 *прич. от* **вести́**; 2 *в знач. прил.* юргизилаётган, бошқарилаётган; эргашиб бораётган; ~**ый самоле́т** эргашиб учаётган самолёт; 3 *в знач. прил. тех.* етакланувчи; ~**ая шестерня́** етакланувчи шестерня.

ВЕ́ДРЕНН/ЫЙ, -ая, -ое *прил. от* **ведро́** *уст.* и *прост.* очиқ (иссиқ, қуруқ); ~**ая пого́да** очиқ ҳаво.

ВЕДР/О́ *с, мн.* **вёдра, ***р.*** -дер** 1 челак, пақир; сатил; ~**о́ воды́** бир челак сув; 2 челак (12 литр чамасидаги суюқлик ўлчови); ✦ **льёт как из ~а́** челаклаб қуйгандек ёмоқда, шаррос қуймоқда.

ВЕ́ДРО *с уст.* и *прост.* очиқ ҳаво.

ВЕДУ́Щ/ИЙ, -ая, -ее 1 *прич. от* **вести́**; 2 *в знач. прил.* бошқариб борувчи, етакловчи, етакчи, эргаштириб (бошлаб) бораётган; ~**ий самоле́т** бошқариб борувчи самолёт; 3 *перен. в знач. прил.* муҳим, етакчи, йўлбошчи, етакчилик (йўлбошчилик) қилувчи, илғор; ~**ая си́ла** етакчи куч; ~**ие о́трасли промы́шленности** саноатнинг етакчи тармоқлари; **игра́ть ~ую роль** муҳим роль ўйнамоқ; етакчилик ролини ўйнамоқ; 4 *в знач. прил. тех.* етакловчи (ҳаракатга келтирувчи); ~**ее колесо́** етакловчи ғилдирак; ~**ая ось** етакловчи ўқ; 5 *в знач. сущ.* ~**ий** *м*, ~**ая** *ж* бошловчи; олиб борувчи (мас., концертни, кўрсатувни).

ВЕ́ДЫ *мн.* ведалар (Ҳинд адабиётининг энг қадимги ёдгорликлари).

ВЕДЬ 1 *союз* ахир, эмасми, наҳотки, -да; **он разъясни́т нам э́то, ~ он знато́к** у бизга буни тушунтириб беради, ахир у ҳамма нарсани биладику; 2 *частица* -ку; ~ **э́то всем изве́стно!** бу ҳаммага маълум-ку!; ~**я вам говори́л** мен бунга сизга айтган эдим-ку (айтмабмидим).

ВЕ́ДЬМА *ж* 1 жодугар хотин, ялмоғиз, алвасти; 2 *бран.* манжалақи, шаллақи.

ВЕ́ЕР *м, мн.* **-а́** 1 елпиғич (буклама елпиғич); **обма́хиваться ~ом** елпиғич билан елпинмоқ; 2 *в знач. нареч.* ~**ом** елпиғич шаклида, ярим доира бўлиб.

ВЕ́ЕРН/ЫЙ, -ая, -ое 1 елпиғичга оид; елпиғич...; 2 елпиғичга ўхшаш (ўхшаган); ярим доира шаклидаги.

ВЕЕРООБРА́ЗНЫЙ, -ая, -ое елпиғичсимон, елпиғичга ўхшаган, елпиғич шаклидаги.

ВЕ́ЖДЫ *мн. (ед.* **ве́жда** *ж) уст. поэт.* 1 қовоқлар (кўз қовоқлари); 2 кўзлар.

ВЕ́ЖЛИВО *нареч.* адаб (хушмуомалалик) билан, мулойим, боадабона.

ВЕ́ЖЛИВОСТЬ *ж* хушмуомалалик, мулойимлик, боадаблик; адаб, назокат.

ВЕ́ЖЛИВ/ЫЙ, -ая, -ое хушмуомала, мулойим, силлиқ, боадаб, адабли, назокатли; ~**ый ю́ноша** боадаб (хушмуомала) йигитча; ~**ое обраще́ние** силлиқ муомала.

ВЕЗДЕ́ *нареч.* ҳамма жойда (ёқда), ҳар ерда; ~**и всю́ду** ҳамма жойда.

ВЕЗДЕСУ́Щ/ИЙ, -ая, -ее 1 *рел.* ҳар ерда ҳозир (худонинг эпитетларидан бири); 2 *разг. шутл.* ҳеч нарсадан (жойдан) қолмайдиган, ҳар ерда тайёр, ҳозир-нозир

ВЕЗДЕХО́Д *м* вездеход (ҳар қандай йўлда ёки йўлсиз жойларда ҳам юра оладиган машина).

ВЕЗДЕХО́ДНЫЙ, -ая, -ое вездеходга оид; вездеход...

ВЕЗЕ́НИЕ *с разг.* омади келиш (юриш), омадлилик, иши юришганлик, омад, кўр (сўқир) бахт.

ВЕЗТИ́, -зу́, -зёшь *несов.* 1 *кого-что* элтмоқ, олиб бормоқ; ташимоқ; **парохо́д вёз большо́й груз** пароход кўп юк ортиб бормоқда эди; **ло́шадь везёт груз** от юкни олиб кетмоқда; ~ **песо́к на та́чке** замбилғалтакда қум ташимоқ; 2 бирга олиб юрмоқ (келмоқ, келтирмоқ), бирга олиб бормоқ; ~ **но́вости** янгиликлар олиб бормоқ (келмоқ); 3 *(сов.* **повезти́** и **подвезти́)** *безл. кому в чём разг.* омади келмоқ (юрмоқ), иши ўнгидан келмоқ; **ему́ везёт во всём** унинг ҳар ишда омади келади (бор); **вам не везёт** омадингиз келмаяпти (юрмаяпти).

www.ziyouz.com kutubxonasi

ВЕЗУ́ЧЕСТЬ *ж разг.* омади борлик, омадлилик, иши ўнгидан келиш.

ВЕЗУ́ЧИЙ, -ая, -ее омадли, омади юрган, пешанаси ялтираган.

ВЕК *м, мн.* **-а́** 1 аср, юз йил; **двадца́тый ~** йигирманчи аср; **че́тверть ~а** чорак аср; 2 давр, даврон, замон; **ка́менный ~** тош даври; **бро́нзовый ~** бронза даври; **сре́дние ~а́** ўрта асрлар; **~ Екатери́ны** Екатерина даври; Екатерина давр (даврон) сурган замонлар; 3 умр, ҳаёт; **на моём ~ý** умримда; **прожи́ть свой ~** ўз умрини ўтказмоқ; ёшини яшаб, ошини ошамоқ; 4 *разг.* узоқ вақт; анча вақт; **мы с тобо́й це́лый ~ не ви́делись** биз сен билан узоқ вақт (анча вақтдан бери) кўришмаган эдик; 5 *в знач. нареч. разг.* доимо, ҳар доим, умрбод; 6 ҳозирги давр, замон; **наха́дка ~а** ҳозирги даврдаги энг катта топилма (кашфиёт); **боле́знь ~а** ҳозирги даврга хос касаллик, давр касаллиги; ✦ **~ живи — ~ учи́сь** умрбод ўқиб ўрганасан киши; **в ко́и ~и** ҳар замонда, аҳён-аҳёнда, қачонлардир; **во ~и ве́чные** (или **на ~а́**) то абад, абадий, мангу, умрбод.

ВЕ́КИ *мн. (ед. ве́ко с)* қовоқ (кўз қовоғи).

ВЕКОВА́ТЬ, -ку́ю, -ку́ешь *несов. разг.* яшамоқ, умр ўтказмоқ; **век ~** *нар.-поэт.* умр ўтказмоқ; **не век нам с тобо́й здесь ~** бу ерда сен билан биз абадий яшамаймиз (умрбод турмаймиз); бу ерга сен билан бизни боғлаб қўйгани йўқ.

ВЕКОВЕ́ЧН/ЫЙ, -ая, -ое *разг.* азалий, доимий; қадимги, бурунги; битмас-туганмас; **~ая вражда́** азалий адоват.

ВЕКО́В/О́Й, -а́я, -о́е қадимдан қолиб келаётган, азалий, қадимги, эски, кўхна, юз йиллик; жуда қари, кекса; **~о́й дуб** кекса дуб; **~ы́е ча́яния** азалий орзулар.

ВЕКОВУ́ХА и **ВЕКОВУ́ШКА** *ж прост.* и *обл.* қари қиз, ўтириб қолган қиз.

ВЕКСЕЛЕДА́ТЕЛЬ *м* вексель берган шахс, вексель берувчи.

ВЕКСЕЛЕДЕРЖА́ТЕЛЬ *м* вексель олган шахс, вексель олувчи, векселдор.

ВЕ́КСЕЛ/Ь *м, мч.* **-ля́** вексель (қарз ҳужжати, пул қарз олганлик ҳақидаги тилхат); **уплати́ть по ~ю** вексель бўйича қарз тўламоқ; **учёсть ~ь** векселни ҳисобга олмоқ.

ВЕ́КСЕЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое векселга оид, вексель...; **~ый курс** вексель курси; **~ое пра́во** вексель ҳуқуқи.

ВЕ́КТОР *м мат.* вектор (1 миқдор ва йўналишга эга бўлган катталик; 2 шундай катталикни кўрсатувчи кесма).

ВЕКТО́РН/ЫЙ, -ая, -ое векторга оид; вектор...

ВЕ́КША *ж обл. то же, что* **бе́лка.**

ВЕЛЕГЛА́СН/ЫЙ, -ая, -ое *уст.* и *ирон.* баланд (йўғон) овозли, овози қаттиқ.

ВЕЛЕ́НИ/Е *с высок.* буйруқ, амр, фармон; **~е до́лга** бурч амри; **по ~ю се́рдца** юрак амри билан; ✦ **(как) по щу́чьему велёнью** чўртан балиқ амри билан.

ВЕЛЕРЕЧИВ/ЫЙ, -ая, -ое *уст.* и *ирон.* сўзамол; сергап.

ВЕЛ/Е́ТЬ *сов.* и *несов. (прош. только сов.)* 1 буюрмоқ, амр этмоқ; **ему́ ~ е́ли прийти́ за́втра** унга эртага келишни буюришди; **со́весть мне не ~и́т** виждоним йўл қўймайди; **долг мне ~и́т** бурчим ундайди, бурчим тақозо қилади; **моро́з не вели́к, да стои́ть не ~и́т** *погов.* совуқ қаттиқ бўлмаса ҳам туриб бўлмайди; 2 сўрамоқ, илтимос қилмоқ; **~е́ли передать приве́т** салом айтиб қўйишимни илтимос қилишди, салом айтишни сўраган эдилар; ✦ **~е́ть до́лго жить** дунёдан ўтмоқ, дорилфанодан дорилбақога кетмоқ.

ВЕ́ЛИЙ, -яя, -ее *уст. то же, что* **вели́кий.**

ВЕЛИКА́Н *м* жуда улкан, девқомат одам, баҳодир.

ВЕЛИКА́НСК/ИЙ, -ая, -ое жуда катта, улкан, девсифат, баҳодирона.

ВЕЛИКА́НША *ж см.* **велика́н.**

ВЕЛИК/ИЙ, -ая, -ое 1 *превосх.* **велича́йший** катта, улкан, калон, муаззам, азим; **~ий успе́х** катта ютуқ, (муваффақият), улкан ғалаба; 2 *кому, для кого* катта, кенг; **ботинки мне ~и́** ботинка менга катта (келди); 3 *превосх.* **велича́йший** улуғ, буюк; **Вели́кая Октя́брьская социалисти́ческая револю́ция** Улуғ Октябрь социалистик революцияси; **~ий учёный** буюк олим; ✦ **~ пост** *церк.* пасха байрамидан олдинги тутиладиган етти ҳафталик рўза; **~ое мно́жество** жуда кўп, беҳад кўп, сон-саноқсиз; беҳисоб.

ВЕЛИКОВА́Т/ЫЙ, -ая, -ое *разг.* каттароқ, кенгроқ; **э́ти сапоги́ мне ~ы** бу этик менга каттароқ экан (келди).

ВЕЛИКОВО́ЗРАСТНЫЙ, -ая, -ое каттайиб (улғайиб) қолган, ёши катта; **~ учени́к** каттайиб қолган (синфдошларига нисбатан ёши катта) ўқувчи.

ВЕЛИКОДЕРЖА́ВН/ЫЙ, -ая, -ое *уст.* империалистик буюк давлатга оид, унга хос бўлган; буюк давлатчилик...; **~ая поли́тика** буюк давлатчилик сиёсати; **~ый шовини́зм** буюк давлатчилик шовинизми.

ВЕЛИКОДУ́ШИ/Е *с* мурувват, ҳиммат, карам; олижаноблик; олийҳиммат лик, феълн кенглик; **в поры́ве ~я** ҳиммати (тантилиги, мардлиги) тутиб.

ВЕЛИКОДУ́ШНИЧАТЬ *несов. разг.* гўё мардлик қилмоқ, ўзини олижаноб (олийҳиммат) қилиб кўрсатмоқ.

ВЕЛИКОДУ́ШНО *нареч.* мурувват (ҳиммат) билан, олижаноблик қилиб, ҳиммат камарини боғлаб.

ВЕЛИКОДУ́ШНЫЙ ,-ая, -ое; -шен, -шна мурувватли, ҳиммат ли, олийҳиммат, олижаноб; феълн кенг; **~ посту́пок** олижаноб иш.

ВЕЛИКОКНЯЖЕ́СКИЙ, -ая, -ое буюк князга (ёки буюк князликка) оид; буюк князь...; буюк князлик..; **~ престо́л** буюк князлик тахти.

ВЕЛИКОЛЕ́ПИЕ *с* дабдаба, ҳашамат, савлат, салтанат, кўркамлик.

ВЕЛИКОЛЕ́ПНО *нареч.* 1 жуда яхши, жуда соз; **~ разбира́ться в те́хнике** техникани жуда яхши (сувдай) билмоқ; 2 балли, баракалла.

ВЕЛИКОЛЕ́ПН/ЫЙ, -ая, -ое; -пен, -пна 1 дабдабали, серҳашам, ажойиб; **~ые дома́** ажойиб (данғиллама) уйлар; **~ое убра́нство** ҳашаматли жиҳозлар; 2 *разг.* жуда соз, жуда яхши, ажойиб, қойил-мақом; **~ый обе́д** қойилмақом овқат (ёки зиёфат); **~ый пир** базм; жамшид; **~ый организа́тор** ажойиб ташкилотчи.

ВЕЛИКОМУ́ЧЕНИК *м* дин йўлида қурбон бўлган киши, шаҳид.

ВЕЛИКОМУ́ЧЕНИЦА *ж см.* **великому́ченик.**

ВЕЛИКОРО́ДН/ЫЙ, -ая, -ое *уст.* насаби улуғ, насабдор, зотли, аслзода.

ВЕЛИКОРО́СС *м см.* **великоро́ссы.**

ВЕЛИКОРОССЫ *мн. (ед.* **великоро́сс** *м)* великороссслар, руслар.

ВЕЛИКОРУ́С *м* великорус, рус киши.

ВЕЛИКОРУ́СКА *ж, р. мн.* **-сок** *см.* **великору́с.**

ВЕЛИКОРУ́ССКИ/Й, -ая, -ое великоруса оид; **~е го́воры** великорус шевалари, рус шевалари.

ВЕЛИКОРУ́СЫ *мн. (ед.* **великору́с** *м,* **великору́ска** *ж)* великоруслар, руслар, рус халқи.

ВЕЛИКОСВЕ́ТСК/ИЙ, -ая, -ое оқсуякларга оид; киборларга хос бўлган; киборлар...; оқсуяклар...; **~ое о́бщество** оқсуяклар жамияти.

ВЕЛИЧА́ВО *нареч.* улуғвор, савлат тўкиб, виқор билан.

ВЕЛИЧА́ВОСТЬ *ж* улуғлик, улуғворлик, салобатлилик; савлат, салобат, виқор.

ВЕЛИЧА́В/ЫЙ, -ая, -ое улуғвор, улуғ сифат, басавлат, савлатли, маҳобатли, салобатли, виқорли; **Прекра́сное должно́ быть ~о** (Пушкин) Гўзаллик улуғвор бўлиши керак.

ВЕЛИЧА́ЙШ/ИЙ, -ая, -ее *превосх. от* **вели́кий** 1, 3; **собы́тие ~ ей ва́жности** жуда муҳим воқеа; **к моему́ ~ ему сожале́нию** минг-минг афсуски, минг-минг таассуфки.

ВЕЛИЧА́ЛЬНЫ/Й, -ая, -ое улуғловчи, мадҳ этувчи; **~е пе́сни** улуғловчи қўшиқлар, мадҳиялар.

ВЕЛИЧА́НИЕ *с* 1 *по гл.* **велича́ть** 1; 2 *уст.* и *обл.* улуғлаш, мадҳ этиш, мадҳия ўқиш.

ВЕЛИЧА́ТЬ *несов. кого* 1 *кем-чем* улуғламоқ, ҳурматламоқ, улуғлаб номламоқ; **~ отцо́м и благоде́телем** отам ва суянчиғим деб улуғламоқ; 2 *прост.* и *обл.* отасининг номи билан атамоқ; 3 *уст.* и *обл.* улуғлаб шаънига қўшиқ айтмоқ, мадҳия ўқимоқ; 4 *уст.* мақтамоқ, кўкка кўтармоқ; 5 *ирон.* ўринсиз от қўймоқ, лақаб тақмоқ.

ВЕЛИЧА́ТЬСЯ *несов.* 1 *прост.* и *обл.* исмига отасининг исмини қўшиб айтмоқ; отасининг исми билан атал-

www.ziyouz.com kutubxonasi

моқ; 2 керилмоқ, гердаймоқ, манманлик қилмоқ; 3 *страд. от* **величáть.**

ВЕЛИЧЕСТВЕННО *нареч.* улуғвор, улуғворлик (маҳобат, виқор) билан, савлат тўкиб.

ВЕЛИЧЕСТВЕННОСТЬ *ж* улуғворлик, муҳташамлик, муаззамлик; ҳашамат, савлат, маҳобат.

ВЕЛИЧЕСТВЕНН/ЫЙ, -ая, -ое улуғвор, ҳашаматли, дабдабали, маҳобатли, муҳташам, муаззам, басавлат, басалобат; **~ое зре́лище** ажойиб манзара; **~ая програ́мма коммунисти́ческого строи́тельства** коммунистик қурилишнинг улуғвор программаси.

ВЕЛИЧЕСТВО *с* аъло ҳазратлари, ҳазрати олийлари; **ва́ше ~** ҳазрати олийлари.

ВЕЛИЧИ/Е *с* улуғлик, улуғворлик, буюклик; салобат, маҳобат; **~е по́двига** жасоратнинг улуғворлиги; **~е Пу́шкина** Пушкиннинг улуғлиги; ✦ **ма́ния ~я** ўзини улуғ деб фаҳмлаш (билиш), улуғлик савдоси; **с высоты́ своего́ ~я** *ирон.* ўзини катта олиб, бошқаларни менсимасдан, такаббурона; **во всём (своём) ~и** бутун улуғворлиги билан.

ВЕЛИЧИН/А *ж, мн.* **-чи́ны** 1 ўлчам, катта-кичиклик; **~о́й с горо́шину** катталиги нўхатдек; 2 *мат.* катталик, қиймат, миқдор; **перемéнная ~а** ўзгарувчан катталик; **постоя́нная ~а́** ўзгармас катталик; **неизве́стная ~а́** номаълум катталик; **бесконе́чно ма́лая ~а́** чексиз кичик миқдор; 3 *перен.* намоянда, сиймо; **он кру́пная ~а́ в нау́ке** у фанда йирик сиймо, у фаннинг йирик намояндаси.

ВЕЛОГО́НКИ *мн., р.* **-нок** *(ед.* **велого́нка** *ж)* велосипед пойгаси.

ВЕЛОГО́НЩИК *м* пойгачи велосипедчи.

ВЕЛОДРО́М *м* велодром (велосипед машқлари, мусобақалари ва синовлари ўтказиладиган майдон).

ВЕЛОКА́МЕРА *ж* велосипед камераси.

ВЕЛОКРО́СС *м* велокросс (ўнқир-чўнқир ерда, йўлда велосипед пойгаси).

ВЕЛОПРОБЕ́Г *м* велосипед сафари.

ВЕЛОСИПЕ́Д *м* велосипед; шайтонарава *(эск.)*; **трёхколёсный ~** уч ғилдиракли велосипед; **е́хать на ~е** велосипедда (учмоқ) юрмоқ.

ВЕЛОСИПЕДИ́СТ *м* велосипедчи.

ВЕЛОСИПЕДИ́СТКА *ж, р. мн.* **-ток** *см.* **велосипеди́ст.**

ВЕЛОСИПЕ́ДНЫ/Й, -ая, -ое велосипедга оид; велосипед...; **~е колёса** велосипед ғилдираклари; **~й спорт** велосипед спорти; **~е го́нки** велосипед пойгаси.

ВЕЛОСПО́РТ *м* велосипед спорти.

ВЕЛОТРЕ́К *м* велотрек (велосипед машқлари ва пойгаси ўтказиладиган махсус йўл).

ВЕЛЬБО́Т *м* вельбот (тезюрар енгил қайиқ).

ВЕЛЬВЕ́Т *м* чийдухоба.

ВЕЛЬВЕТО́В/ЫЙ, -ая, -ое чийдухобадан тикилган; чийдухоба...; **~ая ку́ртка** чийдухоба куртка.

ВЕЛЬЗЕВУ́Л *м книжн.* шайтон, иблис.

ВЕЛЬМИ́ *нареч. книжн. уст.* и *ирон.* жуда, жуда ҳам.

ВЕЛЬМО́ЖА *м* 1 *уст.* катта амалдор, мансабдор, тўра, аъён, акобир; 2 *ирон.* димоғи кўтарилиб кетган одам, калондимоғ.

ВЕЛЬМО́ЖЕСК/ИЙ, -ая, -ое *уст.* катта амалдорларга оид, мансабдорларга хос бўлган.

ВЕЛЬМО́ЖНЫЙ, -ая, -ое *уст.* 1 *то же, что* **вельмо́жеский**; 2 амалдорлар (мансабдорлар, тўралар) табақасига мансуб бўлган.

ВЕЛЮ́Р *м* велюр (мовут тури).

ВЕ́Н/А *ж* вена, кўктомир.

ВЕНГЕ́РЕЦ *м, р.* **-рца** *уст. то же, что* **венгр.**

ВЕНГЕ́РКА I *ж, р. мн.* **-рок** венгр аёл; *см* **ве́нгры.**

ВЕНГЕ́РКА II *ж* венгерка (1 венгрча рақс ва шу рақс музикаси; 2 венгрча ҳарбий формада тикилган куртка).

ВЕНГЕ́РСК/ИЙ, -ая, -ое 1 Венгрияга ва венгрларга оид; Венгрия...; венгр(лар)...; **~ий язы́к** венгр тили; 2 *в знач. сущ.* **~ое** *с* венгер виноси.

ВЕ́НГР *м* венгр; *см.* **ве́нгры.**

ВЕ́НГРЫ *мн. (ед.* **венгр** *м,* **венге́рка** *ж)* венгрлар; можорлар *(эск.)*; венгр халқи.

ВЕНДЕ́ТТА *ж* хун, қасос, қонга қон билан ўч олиш (Корсика оролида).

ВЕНЕПУ́НКЦИЯ *ж мед.* венага игна санчиш (қон қуйиш, қон олиш ва ш. к. учун).

ВЕНЕ́РА *ж* Венера (1 қадимги Рим афсоналарида: муҳаббат ва гўзаллик худоси; 2 *астр.* Зуҳра).

ВЕНЕРИ́ЧЕСК/ИЙ, -ая, -ое таносил касалликларига оид; венерик; таносил...; **~ая боле́знь** таносил касаллиги; **~ий больно́й** таносил касалига дучор бўлган киши.

ВЕНЕРО́ЛОГ *м* венеролог.

ВЕНЕРОЛОГИ́ЧЕСК/ИЙ, -ая, -ое венерологияга ва таносил касалликларига оид: венерологик, венерология...

ВЕНЕРОЛО́ГИЯ *ж* венерология (медицинанинг таносил касалликларини ўрганиш ва даволаш ҳақидаги бўлими).

ВЕНЕСУЭ́ЛЕЦ *м, р.* **-льца** венесуэлалик; *см.* **венесуэ́льцы.**

ВЕНЕСУЭ́ЛКА *ж, р. мн.* **-лок** венесуэлалик аёл; *см.* **венесуэ́льцы.**

ВЕНЕСУЭ́ЛЬСКИ/Й, -ая, -ое Венесуэлага ва венесуэлаликларга оид; Венесуэла...; венесуэлалик(лар)...; **~е трудя́щиеся** Венесуэла меҳнаткашлари.

ВЕНЕСУЭ́ЛЬЦЫ *мн. (ед.* **венесуэ́лец** *м,* **венесуэ́лка** *ж)* венесуэлаликлар, Венесуэла халқи.

ВЕНЕ́Ц *м, р.* **-нца́** 1 тож (подшолар, ҳукмдорлар тожи); 2 *уст.* гултож, гулчамбар; баргак; 3 *астр.* тож (ой, қуёш ва ёруғ юлдузлар атрофида ҳосил бўладиган гардишсимон шуъла); **со́лнечный ~** қуёш тожи; 4 тож (икона, санам ва ш. к. да: бош атрофида тасвирланган гардишсимон шуъла); 5 тож, жиға (никоҳ маросимида келин билан куёвнинг бошига кийгизиладиган тож); 6 *разг.* никоҳ аҳди; **идти́ под ~** эр-хотин бўлмоқ; 7 чорчўп (ғўла ёғочдан тахлаб қилинган уйнинг тўрт тарафидаги ҳар қатор ёғоч); 8 *перен. чего* ҳар бир ишнинг чўққиси, муваффақиятли хотимаси, якуний қисми; **~ достиже́ний** муваффақиятлар чўққиси; **коне́ц — де́лу ~** *посл.* тамом, вассалом.

ВЕНЕЦИА́НСК/ИЙ: ~ое окно́ венецианча (итальянча) дераза, уч табақали дераза.

ВЕНЕ́ЧНЫЙ, -ая, -ое 1 *прил. от* **вене́ц** 3, 5—7; 2 *мед. то же, что* **корона́рный.**

ВЕ́НЗЕЛ/Ь *м, мн.* **-ля́** вензель, туғро (исм ва фамилия бош ҳарфларини бир-бирига чирмаштириб тузилган безак); ✦ **писа́ть ~я́** *шутл.* гандиракламоқ, каловламоқ; гандиракламоқ (каловлаб) юрмоқ.

ВЕ́НИК *м* супурги; чўп даста (ҳаммомда ювиниш учун).

ВЕ́НО *с этн.* 1 қалин, маҳр; 2 сеп.

ВЕНО́ЗН/ЫЙ, -ая, -ое венага оид; вена...; **~ая кровь** вена қони.

ВЕ́НОК *м, р.* **-нка́** гулчамбар; баргак; **~ из полевы́х цвето́в** дала чечакларидан тузилган гулчамбар; **лавро́вый ~** *см.* **лавро́вый.**

ВЕ́НСК/ИЙ, -ая, -ое: ~ие сту́лья венача стул; **~ая ме́бель** венача (эгма) мебель, Вена мебели.

ВЕНТИЛИ́РОВАТЬ *несов. (сов.* **провентили́ровать)** *что* 1 вентиляцияламоқ, вентиляция қилмоқ, шамоллатмоқ; 2 *перен. прост.* синчиклаб муҳокама қилмоқ, аниқлаб чиқмоқ.

ВЕНТИЛИ́РОВАТЬСЯ, -руется *несов.* 1 вентиляцияламоқ, ҳавоси тозаланиб турмоқ, вентиляция қурилмасига эга бўлмоқ; 2 *страд. от* **вентили́ровать.**

ВЕ́НТИЛЬ *м* 1 вентиль, жўмрак; 2 *муз.* вентиль, клапан (пуфлаб чалинадиган музика асбобларида).

ВЕНТИЛЯ́ТОР *м* вентилятор.

ВЕНТИЛЯЦИО́ННЫЙ, -ая, -ое вентиляцияга оид; вентиляцион; вентиляция...; **~ колоде́ц** вентиляция қудуғи.

ВЕНТИЛЯ́ЦИЯ *ж* 1 вентиляция, вентиляциялаш, шамоллатиш; **~ помеще́ния** бинонинг ҳавосини вентиляциялаш (алмаштириб, тозалаб туриш); 2 вентиляция (бинонинг ҳавосини алмаштириб, тозалаб туриш учун хизмат қиладиган қурилма).

ВЕ́НУ/ТЬ *сов.* и *однокр. на кого-что, чем нар.-поэт.* и *прост.* эсмоқ; ҳиди келмоқ; **~ло прохла́дой** совуқ шабада эсди.

ВЕНЦЕНО́СЕЦ *м, р.* **-сца** *высок. уст.* соҳибқирон, тождор, подшо.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ВЕНЦЕНОСНЫЙ, -ая, -ое *высок. уст.* соҳибқиронга, тождорга оид; соҳибқирон...; тождор...

ВЕНЧА́ЛЬНЫЙ, -ая, -ое никоҳ маросимига оид; никоҳ маросими учун белгиланган; никоҳ...; ~ **обря́д** никоҳ маросими; ~ **наря́д** никоҳ маросимида кийиладиган кийим, тўй-никоҳ либоси.

ВЕНЧА́НИЕ *с* 1 никоҳ; никоҳ аҳди, маросими; 2 *то же, что* **корона́ция**.

ВЕНЧА́/ТЬ *несов.* 1 *(сов.* **обвенча́ть** и **повенча́ть)** *кого* никоҳламоқ, никоҳ қилмоқ; 2 *соз.* и *несов. (сов. также* **увенча́ть)** *кого чем* тож кийдирмоқ; тахтга ўтқизмоқ; 3 *(сов.* **узенча́ть)** *кого-что* гулчамбар (жиға ва ҳ. к.) кийдирмоқ; ~**ть победи́теля венко́м** ғолибга гулчамбар кийдирмоқ; 4 *(сов.* **увенча́ть)** *что* тугалламоқ, бирор нарсанинг энг устида бўлмоқ; **ба́шенные сте́ны** ~**ют зубча́тые вы́ступы** қўрғон деворларининг тепаси кунгурадор данданалар билан тугалланган; қўрғон деворларининг устида кунгурадор данданалари бор; 5 *(сов.* **увенча́ть)** *перен.* бирор натижа билан тугалламоқ; **коне́ц** ~**ет де́ло** *погов.* иш охири билан; ҳамма гап ишнинг оқибатида.

ВЕНЧА́ТЬСЯ *несов.* ! *(сов.* **обвенча́ться** и **повенча́ться)** никоҳламоқ, никоҳдан ўтмоқ; 2 *сов.* и *несов. (сов. также* **увенча́ться)** *чем* тож киймоқ, тахтга ўтирмоқ; 3 *(сов.* **увенча́ться)** гулчамбар (тож, жиға ва ҳ. к.) тақмоқ; 4 *(сов.* **увенча́ться)** тепаси бирор нарса билан тугалланмоқ; 5 *страд. от* **венча́ть**.

ВЕ́НЧИК *м* 1 *уменьш. от* **вене́ц** 2, 3; 2 *бот.* гултож, гулкоса; 3 *церк.* марҳумнинг пешанасига қўйиб кўмиладиган ёзувли ва расмли лента.

ВЕ́ПРЬ *м* тўнғиз, қобон, ёввойи чўчқа.

ВЕПС *м* вепс; *см.* **ве́псы**.

ВЕ́ПССКИЙ, -ая, -ое вепсларга оид, вепс(лар)...; ~ **язы́к** вепс тили.

ВЕ́ПСЫ *мн. (ед.* **вепс** *м)* вепслар (РСФСРнинг Ленинград, Вологда областларида ва Карелия АССРда яшовчи элат).

ВЕ́Р/А *ж* 1 ишонч, эътиқод, эътимод, бовар; ишониш; ~ **а в бу́дущее** келажакка (истиқболга) ишониш; ~ **а в свои́ си́лы** ўз кучига ишонч; **слепа́я** ~**а** кўр-кўрона ишонч; **потеря́ть** ~**у** *в кого-л.* бировга бўлган ишончини йўқотмоқ, бировга ишонмай қўймоқ; бировдан ихлоси қайтмоқ; **приня́ть на** ~**у** тўғри (рост) деб қабул қилмоқ, ишонмоқ; 2 дин, имон; **испове́довать** *какую-л.* ~**у** бирор динда бўлмоқ, бирор динга ишонмоқ; ✦ **служи́ть** ~**ой и пра́вдой** астойдил (жон-дил билан) хизмат қилмоқ.

ВЕРА́НДА *ж* веранда, айвон; **застеклённая** ~ ойнабанд (ойнавон) айвон, ровон айвон.

ВЕ́РБА *ж* самбит, самбиттол.

ВЕРБА́ЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое *книжн.* оғзаки; ✦ ~**ая но́та** *дипл.* оғзаки нота; имзосиз нота.

ВЕРБЕ́НА *ж* тизимгул; ~ **лека́рственная** доривор тизимгул; ~ **садо́вая** чамандагул.

ВЕРБЕ́НОВ/ЫЙ, -ая, -ое тизимгулдан тайёрланган; тизимгул...; чамандагул...

ВЕ́РБЛЮД *м* туя; **одного́рбый** ~ нортуя; **двуго́рбый** ~ икки ўркачли туя; ~**-вожа́к** лўк; **пого́нщик** ~**ов** туякаш, сарбон.

ВЕРБЛЮДИЦА *ж* моя, урғочи туя.

ВЕРБЛЮЖАТИНА *ж то же, что* **верблю́жина** 1.

ВЕРБЛЮЖ/ИЙ, -ья, -ье 1 туяга оид; туя...; ~**ья шерсть** туя жуни, 2 туя жунидан қилинган; ~**ье одея́ло** туя жунидан қилинган адёл.

ВЕРБЛЮЖИНА *ж* 1 туя гўшти; 2 туянинг териси.

ВЕРБЛЮЖО́НОК *м, р.* **-нка**, *мн.* **-жа́та** бўта, бўталоқ.

ВЕ́РБН/ЫЙ, -ая, -ое самбитга, самбиттолга оид; самбит...; самбиттол...; ✦ ~**ая суббо́та**, ~**ое воскресе́нье** христианларда пасхадан бир ҳафта олдинги шанба ва якшанба кунларда ўтказиладиган байрамлар.

ВЕРБОВА́ТЬ, -бу́ю, -бу́ешь *несов. (сов.* **завербова́ть)** *кого-что* 1 кўнгиллилар тўпламоқ; 2 одам олмоқ, ёлламоқ, гортмоқ, жалб қилмоқ.

ВЕРБОВА́ТЬСЯ, -бу́юсь, -бу́ешься *несов.* 1 *(сов.* **завербова́ться)** ёлланмоқ; 2 *страд. от* **вербова́ть**.

ВЕРБО́ВКА *ж по гл.* **вербова́ть**; ~ **рабо́чих на строи́тельство** қурилишга одам олиш (ёллаш).

ВЕРБО́ВОЧНЫЙ, -ая, -ое одам олишга (ёллашга) оид; одам оладиган, ёллайдиган; ~ **пункт** одам оладиган (ёллайдиган) пункт, жой.

ВЕРБО́ВЩИК *м* ёлловчи, одам олувчи.

ВЕРБО́ВЩИЦА *ж см.* **вербо́вщик**.

ВЕ́РБОВЫ/Й, -ая -ое самбитга, самбиттолга оид; самбитдан, самбиттолдан қилинган; самбит...; ~**е за́росли** самбитзор.

ВЕРДИ́КТ *м юр.* вердикт, ҳукм, ҳукмнома; **оправда́тельный** ~ оқловчи ҳукм, оқлаш ҳукми.

ВЕРЁВК/А *ж, р. мн.* **-вок** арқон, арғамчи, чилвир, таноб; **перевяза́ть паке́т** ~**ой** пакетни чилвир билан боғламоқ; ✦ **вить** ~**и** *из кого см.* **вить**.

ВЕРЁВОЧК/А *ж, р. мн.* **-чек** *уменьш. от* **верёвка** арқонча, чилвирча, арғамчи; ✦ **зави́ть го́ре** ~**ой** *см.* **зави́ть**.

ВЕРЁВОЧН/ЫЙ, -ая, -ое арқонга оид; арқон...; арғамчи..., чилвир...; ~**ая ле́стница** арғамчи зина, арғамчидан қилинган нарвон.

ВЕ́РЕД *м обл.* газак олган яра; чипқон.

ВЕРЕДИ́ТЬ *несов. что прост. то же, что* **береди́ть**.

ВЕРЕЗЖА́ТЬ *несов. обл.* и *прост.* чийилламоқ, чинқириб йиғламоқ.

ВЕРЕНИ́Ц/А *ж* силсила кетма-кет тизилган қатор, қатор-қатор, турнақатор; ~**а арб** қатор-қатор аравалар; ~**а у́ток** турнақатор ўрдаклар; **лете́ть** ~**ей** турнақатор бўлиб (тизилиб) учмоқ; ~**а мы́слей** *перен.* фикрлар силсиласи, қуйилиб келаётган фикрлар; ~**а воспомина́ний** *перен.* хотиралар силсиласи, битмас-туганмас хотиралар.

ВЕ́РЕСК *м бот.* арчагул, супургигул.

ВЕРЕСКО́ВЫЙ, -ая, -ое арчагулга оид; арчагул...

ВЕРЕТЕ́НИЦА *ж зоол. то же, что* **медяни́ца**.

ВЕРЕТЁНН/ЫЙ, -ая, -ое дукка, урчуққа оид; дук..., урчуқ...; ~**ое ма́сло** урчуқ мойи.

ВЕРЕТЕНО́ *с, мн.* **верете́на** 1 дук, йиг; 2 урчуқ; 3 ўқ.

ВЕРЕТЕНООБРА́ЗНЫЙ, -ая, -ое дуксимон, урчуқсимон.

ВЕРЕТЁНЦЕ *с, р. мн.* **-нец** *уменьш. от* **веретено́**.

ВЕРЕЩ/А́ТЬ *несов.* чийилламоқ, чирқилламоқ, чирилламоқ; **сверчо́к** ~**и́т** қора чигиртка чирилламоқда.

ВЕРЗИ́ЛА *м* и *ж разг.* новча (дароз) одам, давангирдай одам; найнов, дароз.

ВЕРИ́ГИ *мн. (ед.* **верига** *ж)* риёзат занжири (риёзат тортиш учун диндорлар баданида осиб юрадиган занжир ва кишанлар).

ВЕРИ́ТЕЛЬН/ЫЙ: ~**ая гра́мота** *дипл.* ишонч ёрлиғи.

ВЕ́РИТЬ *несов.* 1 *во что* ишонмоқ; ишончи комил бўлмоқ; ~**в успе́х** ғалаба қилишига ишонмоқ; ~ **в правоту́ своего́ де́ла** ўз ишининг тўғрилигига (ҳақлигига) ишончи комил бўлмоқ; 2 ишонмоқ, эътиқод қилмоқ, имон келтирмоқ; 3 *во что, чему* ишонмоқ, инонмоқ; ~ **в приме́ты** белги-аломатларга (ним-сиримларга) ишонмоқ; 4 *кому* ишонмоқ, инонмоқ, эътимод қилмоқ, орқа қилмоқ; ~ **друг дру́гу** бир-бирига ишонмоқ; **переста́ть** ~ ишонмай қўймоқ, ишончини йўқотмоқ, ихлоси қайтмоқ; ✦ **не** ~ **свои́м уша́м (или глаза́м)** ўз қулоғи билан эшитаётган гапларга (кўриб турганига) ишонмаслик, гоят таажжубланиш.

ВЕ́РИТ/ЬСЯ, -ится ишонилмоқ, инонилмоқ, бовар қилинмоқ; **мне не** ~**ся** ишонолмайман; **мне** ~**ся с трудо́м** ишонгим келмайди, ишониш қийин.

ВЕ́РМАХТ *м* вермахт (фашистлар Германиясининг қуролли кучлари).

ВЕРМИШЕ́ЛЕВЫЙ, -ая, -ое вермишелдан қилинган, вермишель...

ВЕРМИШЕ́ЛЬ *ж* вермишель.

ВЕ́РМУТ *м* вермут (винонинг бир тури).

ВЕРНЕ́Е 1 *см.* **ве́рный** и **ве́рно**; ~ **всего́** энг тўғриси, тўғрироғи; **так бу́дет** ~ шунда (шундай қилинса) тўғроқ бўлади; 2 *в знач. вводн. сл.* тўғриси, тўғрироғи, аниқроғи, рости; **э́то портре́т или**, ~, **карикату́ра** бу портрет, ёки тўғрироғи, карикатура.

ВЕРНИСА́Ж *м* вернисаж (1 кўргазмани кўрикдан ўтказиш; 2 кўргазмани очиш маросими).

www.ziyouz.com kutubxonasi

ВЕ́РНО *нареч.* 1 садоқат билан, сидқидилдан, астойдил; 2 аниқлик билан, аниқ, тўғри, дуруст, рост, чин, ҳақ; ~ **сказа́ть** рост айтмоқ; 3 *в знач. вводн. сл.* бўлса керак, эҳтимол, шекилли, ўхшайди; **он, ~, забы́л телегра́фировать** у телеграмма беришни унутган бўлса керак (унутганга ўхшайди); ✦ **с по́длинным** ~ аслига тўғри.

ВЕРНОПОДДА́ННИЧЕСКИЙ, -ая, -ое *уст.* содиқ фуқароларга (табаалларга) оид; уларга хос бўлган.

ВЕ́РНОПОДДА́ННЫЙ, -ая, -ое *уст.* 1 ўз подшосига содиқ, садоқатли; 2 *в знач. сущ.* ~**ый** *м,* ~**ая** *ж* содиқ табаа, содиқ фуқаро.

ВЕ́РНОСТЬ *ж* 1 содиқлик, вафодорлик; сидқидиллик; садоқат, вафо; ~ **Ро́дине** Ватанга садоқат (содиқлик); 2 тўғрилик, ростлик, аниқлик; ~ **перево́да** таржиманинг тўғрилиги; 3 қатъийлик, субутлилик, субут, бурд; 4 ишончлилик.

ВЕРНУ́ТЬ *сов.* 1 *что* қайтармоқ, қайтариб бермоқ; ~ **долг** қарзни қайтармоқ, қарзини бермоқ; ~ **кни́гу в библиоте́ку** китобни кутубхонага қайтармоқ; 2 *кого-что* қайтариб (чиқариб) олмоқ, ўрнини тўлдирмоқ; ~ **изде́ржки** харажатларни чиқариб олмоқ; **про́шлого не** ~ ўтган нарсани қайтариб бўлмайди; 3 *кого-что* қайтармоқ, қайтишга мажбур қилмоқ; ~ **с неве́рного пути́** ёмон йўлдан қайтармоқ.

ВЕРН/У́ТЬСЯ *сов.* 1 қайтмоқ, қайтиб келмоқ, орқага қайтмоқ; **он ~у́лся из заграни́цы** у чет элдан қайтиб келди; **я ~у́лся с полдоро́ги** мен ярим йўлдан орқага қайтдим; 2 *к кому-чему* қайтмоқ; тикланмоқ; **мы ещё ~ ёмся к э́тому вопро́су** биз яна бу масалага қайтамиз; **ко мне ~у́лось споко́йствие** яна хотиржам бўлиб қолдим.

ВЕ́РН/ЫЙ, -ая, -ое; -рен, -рна́, -рно; верне́е 1 содиқ, ишончли, чин, вафодор, вафоли, сидқидил; ~**ый друг** содиқ дўст, чин дўст; 2 *чему* қатъий амал қилувчи, субутли, турғун; **быть ~ым своему́ сло́ву** ўз сўзида турмоқ; ўз сўзига амал қилмоқ; 3 аниқ, тўғри, рост, ҳақ, чин, ҳақиқий; ~**ая мысль** тўғри фикр; ~**ое реше́ние** тўғри қарор; **э́то ~о** бу тўғри; 3 маҳкам, мустаҳкам, ишончли; ~**ая опо́ра** маҳкам (ишончли) суянчиқ; 4 ишончли; ~**ый спо́соб** ишончли усул; ~**ое сре́дство** ишончли восита; 5 пишган, хато қилмайдиган, адашмайдиган; бехато (нишонга тўғри) урадиган; ~**ая рука́** нишонга аниқ (тўғри) урадиган қўл; **у него́ ~ый глаз** унинг кўзи пишган; 6 муқаррар, шак-шубҳасиз; ~**ая смерть** шак-шубҳасиз (муқаррар) ўлим; **идти́ на ~ый риск** кўра-била туриб тавакkал қилмоқ.

ВЕ́РОВАНИЯ *мн. (ед.* **ве́рование** *с) книжн.* 1 ишонч, эътиқод, маслак; 2 диний эътиқод; имон; ~ **дре́вних славя́н** қадимги славянлар эътиқоди.

ВЕ́РОВАТЬ, -рую, -руешь *несов.* 1 *в кого-что* ишонмоқ, инонмоқ; **в нас ве́руют, на нас наде́ются** бизга ишонадилар, ҳамма умидлари биздан; ~ **в тала́нт** талантига ишонмоқ; 2 *кому в чём уст.* ишонмоқ, эътимод қилмоқ; 3 худога ишонмоқ, диндор бўлмоқ.

ВЕРОИСПОВЕ́ДАНИ/Е *с* дин, эътиқод; мазҳаб; **мусульма́нское ~е** мусулмон дини, мусулмон динида бўлиш; **свобо́да ~я** дин эркинлиги.

ВЕРОЛО́МНО *нареч.* аҳдидан қайтиб, аҳдини бузиб; мунофиқона, хоинона, хиёнаткорона, маккорона.

ВЕРОЛО́МНОСТЬ *ж* аҳдини бузиш, аҳдидан қайтиш, ўз сўзида турмаслик; вафосизлик, маккорлик, хоинлик, мунофиқлик; ~ **посту́пка** хатти-ҳаракатнинг хиёнаткорона (мунофиқликдан иборат) эканлиги.

ВЕ́РОЛО́М/НЫЙ, -ая, -ое; -мен, -мна аҳдини бузувчи, аҳдидан қайтувчи, ўз сўзида турмайдиган; хиёнаткор, маккор, бевафо, мунофиқ; ~**ный враг** маккор душман; ~**ное нападе́ние** хиёнаткорона ҳужум; **его́ посту́пок ~ен** унинг бу иши хиёнаткорлик.

ВЕРОЛО́МСТВО *с* аҳдини бузиш, аҳдидан қайтиш, ўз сўзида турмаслик, маккорлик, хоинлик, мунофиқлик, хиёнаткорлик, вафосизлик.

ВЕРОНА́Л *м* веронал (уйқу дори).

ВЕРО́НИКА *ж бот.* вероника (бинафша гулли ўтсимон ўсимлик); ~ **полева́я** итбинафша.

ВЕРООТСТУ́ПНИК *м уст.* диндан қайтган киши, муртад.

ВЕРООТСТУ́ПНИЦА *ж уст. см.* **вероотсту́пник.**

ВЕРООТСТУ́ПНИЧЕСКИЙ, -ая, -ое *уст.* диндан қайтган кишига хос бўлган, муртадликдан иборат.

ВЕРООТСТУ́ПНИЧЕСТВО *с уст.* диндан қайтиш, куфр кетиш, муртадлик.

ВЕРОПОДО́БИЕ *с книжн. уст.* ҳақиқатга яқинлик, ҳақиқатга ўхшаб кўриниш.

ВЕРОПОДО́БНЫЙ, -ая, -ое; -бен, -бна *книжн. уст.* ҳақиқатга яқин, ҳақиқатга ўхшаб кўринадиган.

ВЕРОТЕ́РПИМОСТЬ *ж* дин эркинлиги, динга йўл қўйиш, дин эркинлигини эътироф қилиш.

ВЕРОТЕ́РПИМЫЙ, -ая, -ое дин эркинлигини эътироф қиладиган, динга йўл қўядиган.

ВЕРОУЧЕ́НИЕ *с уст.* диний таълимот, дин ақидалари; **мусульма́нское ~** мусулмон дини ақидалари, ислом таълимоти.

ВЕРОЯ́ТИ/Е *с уст.* эҳтимоллик; юз бериши (бўлиши) мумкинлик; ҳақиқатга яқинлик; эҳтимол; **в э́том ма́ло ~я** бу эҳтимолдан узоқ; ✦ **по всему́ ~ю** (или **по всем ~ям**) *то же, что* **по всей вероя́тности** *см.* **вероя́тность; сверх вся́кого ~я** кутилмаганда, эҳтимолдан ташқари.

ВЕРОЯ́ТНО *вводн. сл.* эҳтимол, балки, афтидан, ...са керак; **он, ~, здесь** у шу ерда бўлса керак; **~, сего́дня бу́дет дождь** афтидан бугун ёмғир ёғадиганга ўхшайди; **вы, ~, зна́ете его́** эҳтимол сиз уни биларсиз, сиз уни билсангиз керак.

ВЕРОЯ́ТНОСТ/Ь *ж* эҳтимоллик; юз бериши (бўлиши) мумкинлик; эҳтимол; **ма́ло ~и** эҳтимолдан узоқ; **~ь собы́тия** воқеанинг (ҳодисанинг) юз бериш эҳтимоли; ✦ **по всей ~и** эҳтимол (ажаб эмас) шундай бўлса, шундай чиқар, шундай бўлса керак, эҳтимол; **тео́рия ~ей** *мат.* эҳтимоллик назарияси.

ВЕРОЯ́ТН/ЫЙ, -ая, -ое; -тен, -тна эҳтимол, юз бериши (бўлиши) мумкин бўлган, бўлиши эҳтимол тутилган; **~ый исхо́д** кутиш мумкин бўлган натижа (оқибат); **э́то вполне́ ~о** бу бўлиши мумкин, бу эҳтимолдан узоқ эмас.

ВЕРСИФИКА́ТОР *м* 1 *уст.* шеър техникасини яхши биладиган шоир; нозим; 2 *ирон.* нўноқ шоир, қофиябоз.

ВЕРСИФИКА́ЦИЯ *ж уст.* 1 шеър ёзиш; 2 шеър тузилиши.

ВЕ́РСИ/Я *ж* ривоят, нақл, тахминий фикр; **но́вая ~я** янги ривоят, янги нақл; **вы́двинуть ~ю** бирор тахминий фикр билдирмоқ, бирор тахминий фикрни олға сурмоқ.

ВЕРСТ/А́ *ж, мн.* **вёрсты** 1 чақирим (1,06 км га тенг масофа ўлчови); 2 *уст.* чақирим белгиси, устунчаси (йўл бўйлаб ҳар чақиримга қўмилган устунча); ✦ **за ~у́** 1) жуда узоқда; жуда узоқдан; 2) жуда узоққа, олис-олисларга; **коло́менская ~а́** *шутл.* дароз одам, новча, найнов.

ВЕРСТА́К *м. р.* **-а́** верстак, дастгоҳ.

ВЕРСТА́ЛЬЩИК *м полигр.* вёрстка қилувчи, вёрсткачи, саҳифаловчи.

ВЕРСТА́ТКА *ж, р. мн.* **-ток** *полигр.* верстатка (ҳарф териладиган тахтакач).

ВЕРСТА́ТЬ *несов. (сов.* **сверста́ть**) *что полигр.* вёрстка қилмоқ, вёрсткаламоқ, саҳифаламоқ.

ВЕ́РСТКА *ж полигр.* 1 вёрстка қилиш, вёрсткалаш, саҳифалаш; 2 вёрстка (саҳифаланган набор).

ВЕРСТОВО́Й, -а́я, -о́е чақиримларни кўрсатадиган; чақирим...; ~ **столб** чақиримларни кўрсатадиган устун.

ВЕРТА́ТЬ *несов. прост.* и *обл.* 1 қайтмоқ, қайтиб келмоқ; 2 қайтармоқ.

ВЕРТА́ТЬСЯ *несов. прост.* и *обл.* қайтмоқ, қайтиб келмоқ.

ВЕ́РТЕЛ *м, мн.* **-а́** 1 кабоб сихи; 2 *то же, что* **верте́лю́г** 1.

ВЕРТЕ́П *м* 1 *уст.* ғор; 2 ёмонлар макони (фаҳшхона, ўғрихона ва ҳ. к.); 3 диний ва дунёвий мазмундаги томошалар кўрсатган қадимги сайёр қўғирчоқ театри.

ВЕРТЕ́ТЬ, верчу́, ве́ртишь *несов.* 1 *кого-что* айлантирмоқ, бурамоқ, ғилдиратмоқ, пириллатмоқ; ~ **колесо́** ғилдиракни айлантирмоқ; 2 *кого-что чем* айлантирмоқ; қўлида айлантириб ўтирмоқ; ~ **тро́стью** қўлидаги ҳассасини айлантирмоқ; 3 *перен. кем-чем разг.* ҳар мақомга солмоқ, ўйнатмоқ, майна қилмоқ; ✦ ~ **хвосто́м** *прост.* думини ликиллатмоқ, ўзини у ён-бу ён ташламоқ, муғомбирлик қилмоқ;

www.ziyouz.com kutubxonasi

ялтоқланмоқ; **как ни верти́** ўзингни қандай мақомга солма, нима қилмагин, минг қил, юз қил.

ВЕРТЕ́ТЬСЯ, верчу́сь, ве́ртишься *несов.* 1 айланмоқ, буралмоқ, ғилдирамоқ, пирилламоқ; **колесо́ ве́ртится** ғилдирак айланмоқда; 2 айланмоқ, гир-гир айланмоқ (рақсда); тўлғанмоқ, безовта бўлмоқ; 4 *перен. на чём* асосланмоқ, таянмоқ, асосида бирор нарса ётмоқ; **пье́са ве́ртится на эффе́ктной колли́зии** пьеса асосида эффектли коллизия ётади; 5 *разг.* айланишмоқ, ўралашмоқ; айланишиб (ўралашиб) юрмоқ; **не верти́сь под нога́ми** оёқ остида ўралашма; 6 бўйин товламоқ, қочмоқ, ўзини у ён-бу ён ташламоқ; муғомбирлик қилмоқ; **не верти́сь, говори́ пра́вду** муғомбирлик қилма, ростини гапир; 7 *страд. от* **верте́ть** 1; ✦ **~ на языке́** тил учида турмоқ; **~ как бе́лка в колесе́** *см.* **бе́лка.**

ВЕРТИКА́Л *м астр.* вертикал (юлдузларнинг зенитдан узоқлигини бурчак ҳисобида ўлчайдиган асбоб).

ВЕРТИКА́ЛЬ *ж* вертикал (тик чизиқ).

ВЕРТИКА́ЛЬНО *нареч.* вертикал (тик) йўналишда, тик, тикка, тиккасига, тик ҳолатда.

ВЕРТИКА́ЛЬНОСТЬ *ж* вертикаллик, тиклик.

ВЕРТИКА́ЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое; -лен, -льна вертикал йўналишдаги, вертикал; тик; **~ая ли́ния** вертикал (тик) чизиқ; **~ые полу́денные лучи́ со́лнца** қуёшнинг туш пайтидаги тик нурлари.

ВЕРТИХВО́СТКА *ж, р. мн.* **-ток** *прост.* енгилтак (суюқ, суюқ оёқ, шалоқ) аёл, енгил табиат хотин; ойимтилла.

ВЕ́РТКИЙ, -ая, -ое; -ток, -тка *разг.* питрак, пилдирпилдир, чаққон, эпчил, чапдаст.

ВЕРТЛЮ́Г *м* 1 *анат.* кўст (сон суягининг юқориги кўсти); 2 *тех.* вертлюг (турли механизмларда бириккан деталларнинг бир-бирига нисбатан айланишини таъминловчи звено).

ВЗВИ́/ТЬСЯ, взовью́сь, взовьёшься *сов.* (*несов.* **взива́ться**) 1 тез (лип ёки лоп этиб) кўтарилмоқ, ўқдай парвоз қилмоқ; кўтарилиб ҳилпираб (пириллаб) турмоқ; **пла́мя** ~**лось** ёлқин (аланга) тез (лоп этиб) кўтарилди; **орёл** ~**лся под облака́** бургут ўқдай осмони-фалакка кўтарилди; 2 *перен. прост.* дарғазаб бўлмоқ, ғазаби ошиб, тутақиб кетмоқ.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ВЗВИ́ХРИ/ТЬ *сов. что* уюрмалантирмоқ, уюрмалантириб (гир-гир айлантириб, тўзитиб) учирмоқ, кўтармоқ; **ве́тер ~л сне́г** шамол қорни уюрмалантириб кўтарди (гир-гир айлантириб учирди).

ВЗВИХРИ́ТЬ *сов. что разг.* ҳурпайтирмоқ, пахмайтирмоқ, тўзитмоқ (сочларни).

ВЗВИХРИ́ТЬСЯ, -ится *сов.* уюрмаланмоқ, уюрмаланиб (гир-гир айланиб) учмоқ, гирдоб бўлиб кўтарилмоқ.

ВЗВИХРИ́ТЬСЯ, -и́тся *сов. разг.* ҳурпаймоқ, пахмаймоқ, тўзғимоқ (соч ҳақида).

ВЗВОД I *м* взвод (аскарий бўлинма); **стрелко́вый ~** ўқчилар взводи.

ВЗВОД II *м* 1 *по гл.* **взвести́** 1; 2 взвод (тепкининг отиш ҳолатида тутиб турувчи қисми); **боево́й ~** тепкининг отиш (жанговар) ҳолати; **поста́вить на ~** тепкини отиш ҳолатига қўймоқ; ✦ **на ~е** 1) кайфи бор, кайфи тарақ; 2) жаҳли чиқиб (зардаси қайнаб) туриши.

ВЗВОДИ́ТЬ, -ожу́, -о́дишь *несов. см.* **взвести́.**

ВЗВОДИ́ТЬСЯ, -ится *несов.* 1 *см.* **взвести́сь**; 2 *страд. от* **взводи́ть.**

ВЗВО́ДН/ОЙ, -а́я, -о́е *прил. от* **взвод** II, 2 взвод...; **~а́я пружи́на** взвод пружинаси.

ВЗВО́ДН/ЫЙ, -ая, -ое 1 *прил. от* **взвод** I взвод...; **~ый командир** взвод командири; 2 *в знач. сущ.* **~ый** *м* взвод командири; **прика́з ~ого** взвод командирининг буйруги.

ВЗВОЗ *м* 1 *по гл.* **взвезти́**; 2 *обл.* тепаликка кўтариладиган (олиб борадиган) йўл; тепалик.

ВЗВОЗИ́ТЬ, -ожу́, -о́зишь *несов. см.* **взвезти́.**

ВЗВОЛА́КИВАТЬ *несов. см.* **взволо́чь.**

ВЗВОЛА́КИВАТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **взволо́чься**; 2 *страд. от* **взвола́кивать.**

ВЗВОЛНО́ВАННО *нареч.* ҳаяжонланиб, тўлқинланиб, ҳаяжон билан, изтиробда; **он говори́л ~** у ҳаяжонланиб гапирарди.

ВЗВОЛНО́ВАННОСТЬ *ж* ҳаяжонланганлик, тўлқинланганлик, ҳаяжонга тушганлик; ҳаяжон, изтироб.

ВЗВОЛНО́ВАННЫ/Й, -ая, -ое 1 *прич. от* **взволнова́ть**; 2 *в знач. прил.* ҳаяжонланган, тўлқинланган, ҳаяжонли, ташвишли, изтиробли; **у него́ был ~й вид** у ҳаяжонли (кўринар) эди; **говори́ть ~м го́лосом** ҳаяжонланиб (тўлқинланиб) гапирмоқ.

ВЗВОЛНО́ВА/ТЬ, -ну́ю, -ну́ешь *сов.* 1 *что* мавжлантирмоқ, тўлқинлантирмоқ, жўшга келтирмоқ; **бу́ря ~ла мо́ре** бўрон денгизни тўлқинлантирди; 2 *кого-что* ҳаяжонлантирмоқ, тўлқинлантирмоқ; ҳаяжонга келтирмоқ, ташвишга солмоқ, бетинч қилмоқ.

ВЗВОЛНО́ВА/ТЬСЯ, -ну́юсь, -ну́ешься *сов.* 1 мавж урмоқ, жўшга келмоқ, тўлқинланмоқ; **мо́ре ~лось** денгиз тўлқинлана бошлади; 2 ҳаяжонланмоқ, тўлқинланмоқ, ташвишга (изтиробга) тушмоқ, бетинч бўлмоқ.

ВЗВОЛО́ЧЬ, -оку́, -очёшь *сов. (несов.* **взвола́кивать)** *что прост.* судраб юқорига чиқармоқ, судраб олиб чиқмоқ.

ВЗВОЛО́ЧЬСЯ, -оку́сь, -очёшься *сов. (несов.* **взвола́киваться)** *прост.* и *обл.* судралиб юқорига чиқмоқ, аранг кўтарилмоқ.

ВЗВОРА́ЧИВАТЬ *несов. см.* **взворо́тить.**

ВЗВОРОТИ́ТЬ, -очу́, -о́тишь *сов. (несов.* **взвора́чивать)** *прост.* 1 куч билан (зўрға, аранг) кўтариб юқорига қўймоқ; 2 ағдар-тўнтар қилмоқ, ағдариб тартибсиз ҳолга келтирмоқ.

ВЗВЫТЬ, взво́ю, взво́ешь *сов.* 1 бирдан қичқириб (ҳанграб, увиллаб) юбормоқ; увилламоқ; 2 *разг.* чинқириб (бақириб) йиғламоқ; вағилламоқ; 3 *перен. разг.* фарёд кўтармоқ, дод-вой қилмоқ, дод демоқ; **— Вот погоди́, отда́м я тебя́ в сапо́жники, тогда́ взво́ешь** (Куприн) Ҳали шошмай тур, мен сени этикдўзга шогирдликка бераман, ўшанда дод-вой қилиб қоларсан.

ВЗГЛЯД *м* 1 қараш, боқиш, назар, наззора, нигоҳ; **при́стальный ~** тикилиб қараш; **мимолётный ~** бир кўз ташлаб қўйиш, қиё боқиб ўтиш; **устреми́ть ~** кўз тикмоқ, тикилмоқ; **бро́сить ~** назар (кўз) ташламоқ; **печа́льный ~** ғамгин қараш (нигоҳ); 2 фикр, нуқтаи назар, қараш, мулоҳаза; **полити́ческие ~ы** сиёсий қарашлар; **высказа́ть свой ~** ўз фикрини (мулоҳазасини) айтмоқ, ўз фикрини билдирмоқ; ✦ **на мой (твой, его́** и т. д.) **~** менимча, менинг фикримча, менинг назаримда (наздимда); **на ~ (на вид)** кўринишдан, афтидан, зоҳиран; **на пе́рвый ~** биринчи қарашдан; **с пе́рвого ~а** 1) бир қарашдан, бир кўрганда; 2) биринчи таассуротдан, биринчи таассуротга қараб; **разделя́ть *чьи* ~ы** бировнинг фикрига қўшилмоқ.

ВЗГЛЯ́ДЫВАТЬ *несов. см.* **взгляну́ть.**

ВЗГЛЯНУ́/ТЬ, -яну́, -я́нешь *сов. (несов.* **взгля́дывать)** *на кого-что* и *куда* 1 қарамоқ, боқмоқ, кўз ташламоқ, кўз (назар) солмоқ, бир қараб қўймоқ; **я ~л на него́** мен унга қарадим (қараб қўйдим); **~ть вверх** юқорига кўз ташламоқ, юқорига қарамоқ; **Кома́ндующий ~л на часы́** (Первенцев) Қўмондон соатига қараб қўйди; 2 *перен. разг.* бирор тарзда (ёки бирор нуқтаи назардан) қарамоқ, эътибор бермоқ, назар ташламоқ, баҳо бермоқ, ёндашмоқ; **~ть по-сво́ему** ўз нуқтаи назаридан қарамоқ; **~ть на де́ло серьёзно** ишга жиддий қарамоқ (жиддий эътибор бермоқ).

ВЗГЛЯ/НУ́ТЬСЯ, -я́нется *сов.:* **как ~нется** *кому* хоҳлаганича, кўнглига келганича.

ВЗГОВОРИ́ТЬ *сов. нар.-поэт.* айтмоқ, демоқ.

ВЗГО́РОК *м, р.* **-рка** *прост.* кичик тепалик, дўнглик, кичкина тепа.

ВЗГО́РЬЕ *с разг.* адир, тепалик; тоғ бағри, этаги.

ВЗГРЕВА́ТЬ *несов. см.* **взгре́ть.**

ВЗГРЕ́ТЬ *сов. (несов.* **взгрева́ть)** *кого прост.* 1 яхшилаб урмоқ, саваламоқ, калтакламоқ; 2 қаттиқ койимоқ, уришмоқ, сўкмоқ, танбеҳини бериб қўймоқ.

ВЗГРОМОЖДА́ТЬ *несов. см.* **взгромозди́ть.**

ВЗГРОМОЖДА́ТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **взгромозди́ться**; 2 *страд. от* **взгроможда́ть.**

ВЗГРОМОЗДИ́ТЬ, -зжу́, -зди́шь *сов. (несов.* **взгроможда́ть)** *что разг.* сўлоқмондай қилиб (зўрға, аранг) ортмоқ, устига (устма-уст) қўймоқ, мингаштирмоқ.

ВЗГРОМОЗДИ́ТЬСЯ, -зжу́сь, -зди́шься *сов. (несов.* **взгроможда́ться)** *разг.* тирмашиб чиқмоқ, устига чиқиб олмоқ, қўнқаймоқ; **~ на воз** аравага чиқиб олмоқ.

ВЗГРУСТНУ́ТЬ *сов. разг.* бир оз хафа бўлмоқ, кўнгли ғаш тортмоқ, маъюс бўлиб қолмоқ.

ВЗГРУСТНУ́/ТЬСЯ, -нётся *сов. кому разг.* маъюслик босмоқ, хафалик тутмоқ, кўнгилга ғашлик тушмоқ; **мне ~лось** кўнглимга ғашлик тушди, юрагим ғаш бўлди.

ВЗДВА́ИВАТЬ *несов. см.* **вздвои́ть.**

ВЗДВОИ́ТЬ *сов. (несов.* **вздва́ивать)** *что* икки қатор қилиб тизмоқ (сафламоқ); икки қатор бўлмоқ; **~ ряды́** сафларни икки қатор қилмоқ; **ряды́ вздвой!** икки қатор бўлиб сафлан(инг)! (команда).

ВЗДВОИ́ТЬ *сов. что с.-х.* қайта (яна) ҳайдамоқ (ерни); **~ пар** икки кайта шудгор қилмоқ.

ВЗДВОИ́ТЬСЯ, -ится *сов* икки қатор бўлмоқ, икки қатор бўлиб сафланмоқ.

ВЗДЕВА́ТЬ *несов. см.* **вздеть.**

ВЗДЁРГИВАНИЕ *с по гл.* **вздёргивать** 1.

ВЗДЁРГИВАТЬ *несов. см.* **вздёрнуть.**

ВЗДЁРГИВАТЬСЯ, -ается *несов.* 1 *см.* **вздёрнуться**; 2 *страд. от* **вздёргивать.**

ВЗДЁРНУТЫЙ, -ая, -ое 1 *прич. от* **вздёрнуть**; 2 *в знач. прил.* кўтарилган қанқайган (бурун, бош, елка ҳақида); **~ нос** қанқайган бурун.

ВЗДЁРНУТЬ *сов. (несов.* **вздёргивать)** *разг.* 1 *что* силтаб (ёки тортиб) кўтармоқ, баланд қилмоқ; **~ флаг** байроқни (ипидан тортиб) кўтармоқ; **~ го́лову** бошни (силтаб) баланд кўтармоқ; 2 *кого прост.* осмоқ, осиб ўлдирмоқ; ✦ **~ нос** *прост.* бурнини кўтармоқ, кеккаймоқ, ғурурланмоқ; **~ плеча́ми** елкасини қисмоқ.

ВЗДЁРНУТЬСЯ, -нется *сов. разг.* юқорига сапчимоқ, кўтарилмоқ, кўтарилиб қолмоқ.

ВЗДЕТЬ, -е́ну, -е́нешь *сов. (несов.* **вздева́ть)** 1 *уст.* баландга (юқорига) кўтармоқ, қаратмоқ; 2 *уст.* и *прост.* тақмоқ; кийдирмоқ; **~ очки́ на нос** кўзойнак тақмоқ, кўзойнакни бурунга илмоқ; 3 *прост.* и *обл.* тизмоқ, илмоқ, ўтказмоқ; тақмоқ; **~ ни́тку в иглу́** ипни нинага ўтказмоқ.

ВЗДОР *м разг.* бемаъни (бўлмагур, бекор) гап, сафсата; беҳуда гаплар; **нести́** (или **моло́ть**) **~** сафсата сот-

www.ziyouz.com kutubxonasi

моқ; беҳуда гап қилмоқ; **всё э́то ~** буларнинг ҳаммаси бемаъни (бекор, беҳуда) гап.

ВЗДОРИ́ТЬ *несов. разг.* жанжаллашмоқ, можаролашмоқ.

ВЗДО́РНОСТЬ *ж разг.* 1 бемаънилик, бўлмагурлик, беҳудалик, пучлик; **~ слу́хов** миш-мишларнинг беҳудалиги; 2 жанжалкашлик; мижғовлик.

ВЗДО́РНЫЙ, -ая, -ое; -рен, -рна *разг.* 1 бемаъни, беҳуда, бўлмагур, пуч; **~ слух** бемаъни овоза, бўлмагур миш-миш (гап); 2 жанжалкаш; мижғов; тантиқ; **~ челове́к** жанжалкаш одам; мижғов (тантиқ) одам.

ВЗДОРОЖА́НИЕ *с по гл.* **вздорожа́ть.**

ВЗДОРОЖА́ТЬ, -а́ет *сов.* қимматлашмоқ, баҳоси ошмоқ, нархи кўтарилиб кетмоқ.

ВЗДО́РЩИК *м разг.* жанжалкаш одам; мижғов.

ВЗДО́РЩИЦА *ж разг. см.* **вздо́рщик.**

ВЗДОХ *м* нафас, дам; нафас (дам) олиш ва чиқариш; уфлаш, уф тортиш; хўрсиниш; оҳ-воҳ; **глубо́кий ~** чуқур нафас олиш ва чиқариш; чуқур хўрсиниш; **~ облегче́ния** енгил тортиб уфлаш; ✦ **испусти́ть после́дний ~** жон бермоқ, жони узилмоқ, ўлмоқ; **до после́днего ~а** сўнгги нафасгача.

ВЗДОХНУ́ТЬ *сов.* 1 *см.* **вздыха́ть**: 2 *разг.* нафасини ростламоқ, дам (тин) олмоқ; **На́до бы́ло дать ~ лошадя́м** (Арсеньев) Отларга дам бериш керак эди.

ВЗДРА́ГИВАТЬ *несов. см.* **вздро́гнуть.**

ВЗДРЕМНУ́ТЬ *сов. разг.* кўзи уйқуга (пинакка) кетмоқ, мудрамоқ, мижжа қоқмоқ, мизғиб (кўз илинтириб) олмоқ.

ВЗДРЕМНУ́/ТЬСЯ, -нётся *сов. безл. кому разг.* мудроқ босмоқ, кўзи илинмоқ; **мне ~лось** кўзим илинипти.

ВЗДРО́ГНУТЬ *сов. (несов.* **вздра́гивать)** сесканиб кетмоқ, чўчиб (сапчиб) тушмоқ; **~ от неожи́данности** бехос ишдан (нарсадан) чўчиб тушмоқ.

ВЗДУВА́ТЬ *несов. см.* **вздуть** I.

ВЗДУВА́ТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **вздýться;** 2 *страд. от* **вздува́ть.**

ВЗДУ́МА/ТЬ *сов. с неопр. разг.* (бирдан) кўнглига (ҳушига) келмоқ, истаб (бирор иш қилгиси келиб) қолмоқ; **он ~л прогуля́ться на ло́дке** у (бирдан) қайиқда сайр қилишни истаб қолди; унинг (бирдан) қайиқда сайр қилгиси келиб қолди; ✦ **не ~й(те)** асло хаёл(ингиз)га келтирма(нг); ...ла(й) кўрма(нг); **не ~йте купа́ться** чўмила кўрманг, тағин чўмилиб ўтирманг.

ВЗДУ́МА/ТЬСЯ, -ается *сов. безл. кому разг.* (бирдан) кўнглига келиб қолмоқ, истак туғилмоқ; **мне ~лось уе́хать** (бирдан) кетгим келиб қолди.

ВЗДУРИ́/ТЬСЯ *сов. прост.* тентаклиги (жиннилиги) тутмоқ, эсини еб қўймоқ, эсини еб қилиқ қилмоқ; **Пу́ще пре́жнего стару́ха ~лась** (Пушкин) Кампир илгаригидан бадтар қилиқ қила бошлади.

ВЗДУ́ТИЕ *с* 1 бўртиш, шишиш, кепчиш, қаппайиш, кўтарилиш; **~ живота́** қорин шишиши (гуп бўлиши); 2 шиш, бўртик, дўнг.

ВЗДУ́ТОСТЬ *ж* шишганлик; гуплик; шишган жой, шиш.

ВЗДУ́Т/ЫЙ, -ая, -ое 1 *прич. от* **вздуть** I; 2 *в знач. прил.* шишган, кўтарилган; гуп; **~ая щека́** шишган лунж; 3 *перен. в знач. прил.* ҳаддан ташқари ошган (кўтарилган), шиширилган; **~ые це́ны** ҳаддан ташқари кўтарилган баҳолар (нархлар); **~ые шта́ты** ҳаддан ташқари шиширилган штатлар.

ВЗДУ/ТЬ I *сов. (несов.* **вздува́ть)** *что* 1 пуфлаб (ёки эсиб, елиб) учирмоқ, кўтармоқ; учириб кетмоқ; пуфлаб ташламоқ; **ве́тер ~л пы́ль** шамол чанг-тўзонни учириб кетди (кўтарди); 2 шиширмоқ; гуп қилмоқ; кепчитмоқ, қаппайтирмоқ; пуфлаб дўмбира қилмоқ; 3 *перен. разг.* ошириб юбормоқ, кўтармоқ; шиширмоқ; **~ть це́ны** нархларни ошириб юбормоқ; 4 *прост.* пуфламоқ, пуфлаб ёндирмоқ; **~ть ого́нь** пуфлаб оловни ёндирмоқ; **~ть самова́р** самоварни пуфлаб ёндирмоқ.

ВЗДУ́ТЬ II *сов. кого прост.* урмоқ, калтакламоқ, дўпосламоқ.

ВЗДУ́/ТЬСЯ *сов. разг.* 1 *уст.* учмоқ, тўзмоқ, кўтарилмоқ (пуфлаганда, шамолдан); ҳавога (газга ва ҳ. к.) тўлиб (дамланиб) қаппаймоқ, гуп (дўмбира) бўлмоқ; **~лись паруса́** елканлар ҳавога тўлиб қаппайди; **живо́т ~лся** қорин гуп бўлди; 2 кўтарилмоқ, кенгаймоқ; **река́ ~лась** дарёнинг суви кўтарилди; 3 шишмоқ, бўртмоқ, кўпчимоқ; **щека́ ~лась** лунж шишиб кетди; 4 бўртмоқ; **по́чки на дере́вьях ~лись** дарахтларнинг куртаклари бўртди (бўртибди); 5 *перен.* ошмоқ, кўтарилмоқ, ошиб (кўтарилиб, шишиб) кетмоқ; **це́ны ~лись** баҳолар (нархлар) кўтарилиб кетди.

ВЗДЫБИТЬ, -блю, -бишь *сов. (несов.* **вздыбливать)** *кого-что* тиккайтирмоқ, орқа оёқларига турғизмоқ; **~ коня́** отни икки оёғида (орқа оёқларига) турғизмоқ.

ВЗДЫБИ/ТЬСЯ, -ится *сов. (несов.* **вздыбливаться)** 1 орқа оёқларига турмоқ; 2 тиккаймоқ, тик кўтарилмоқ; **у него́ ~лись во́лосы** унинг сочлари (тик) турди; **По́днятая взры́вом волна́ ~лась на высоту́ до пяти́десяти фу́тов и ру́хнула на кора́бль** (Новиков-Прибой) Портлашдан отилиб кетган тўлқин эллик футга кўтарилиб зарб билан кемага тушди.

ВЗДЫ́БЛИВАТЬ *несов. см.* **вздыбить.**

ВЗДЫ́БЛИВАТЬСЯ, -ается *несов. см.* **вздыбиться.**

ВЗДЫМА́ТЬ *несов. что* кўтармоқ, тўзғитмоқ; **~пыль** чангитмоқ, чанг кўтармоқ.

ВЗДЫМА/ТЬСЯ, -а́ется *несов.* 1 баланд кўтарилмоқ, отилмоқ; буруқсамоқ, тўзмоқ; **пыль ~ется над доро́гой** йўл устида чанг кўтарилди (кўтарилмоқда), йўлдан чанг кўтарилди; **Вздыма́лись к не́бу бе́лые осветительные раке́ты** (Казакевич) Ёритувчи оқ ракеталар осмонга отилиб турарди; 2 балқимоқ, кўтарилмоқ, кўтарилиб-тушмоқ (кўкрак ҳақида); **грудь ~лась** кўкраги кўтарилиб-тушиб турарди; 3 *страд. от* **вздыма́ть.**

ВЗДЫХА́ТЕЛЬ *м разг. уст.* ишқида оҳ тортувчи, ошиқи-беқарор, хушгор, шайдо, жазман.

ВЗДЫХА́ТЬ *несов.* 1 *(сов.* **вздохну́ть)** нафас (дам) олмоқ ва чиқармоқ; хўрсинмоқ; уфламоқ, уф тортмоқ, оҳ урмоқ (чекмоқ), оҳ-воҳ қилмоқ; 2 *о ком-чём, по ком-чём* соғинмоқ, қўмсамоқ; 3 *по ком разг. уст.* ҳажрида куймоқ, ошиқи-беқарор бўлмоқ.

ВЗИМА́ТЬ *несов. что* олмоқ, йиғмоқ, ундирмоқ; **~ нало́г** солиқ олмоқ; **~ недои́мки** боқимондаларни ундирмоқ.

ВЗИРА/ТЬ *несов. на кого-что уст.* қарамоқ, боқмоқ; **равноду́шно ~ть** бепарво қарамоқ; ✦ **не ~я** *на кого-что* ҳеч нарсага қарамасдан; **не ~я на ли́ца** ким бўлишдан қатъи назар, юз-хотир қилмай.

ВЗЛА́МЫВАТЬ *несов. см.* **взлома́ть.**

ВЗЛА́МЫВАТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **взлома́ться;** 2 *страд. от* **взла́мывать.**

ВЗЛЕЗА́ТЬ *несов. см.* **взлезть.**

ВЗЛЕ́ЗТЬ *сов. (несов.* **взлеза́ть)** *разг.* эмаклаб (ёки чирмашиб, осилиб) чиқмоқ, кўтарилмоқ; **~ на теле́гу** аравага чиқмоқ; **~ на де́рево** чирмашиб дарахтга чиқиб олмоқ; **~ на забо́р** осилиб деворга чиқиб олмоқ.

ВЗЛЕЛЕ́ЯТЬ *сов.* 1 *кого-что* ардоқлаб катта қилмоқ, вояга етказмоқ, ўстирмоқ, парвариш қилмоқ, тарбияламоқ; 2 *перен. что* кўнгилда (юракда) сақламоқ, ичда сақлаб юрмоқ, орзу қилмоқ; **~ наде́жду** орзу қилмоқ, умид қилмоқ.

ВЗЛЁТ *м* 1 парвоз қилиш, учиш; парвоз; 2 *перен. чего* парвоз, беқиёс юксалиш, равнақ; **~ мы́сли** фикр (тафаккур) парвози.

ВЗЛЕТА́ТЬ *несов. см* **взлете́ть.**

ВЗЛЕТЕ́/ТЬ, взлечу́, взлети́шь *сов. (несов.* **взлета́ть)** 1 учиб чиқмоқ, кўтарилмоқ, парвоз қилмоқ; **пти́ца ~ла на де́рево** қуш дарахтга учиб чиқди; **самолёты ~ли** самолётлар учиб кетди (кўтарилди, парвоз қилди); 2 *разг.* тез югуриб чиқмоқ, тез кўтарилмоқ; ✦ **~ть на во́здух** 1) портлаб парча-парча бўлиб кетмоқ, кули кўкка совурилмоқ, портлатилмоқ; 2) кўкка совурилмоқ, барбод бўлмоқ.

ВЗЛЁТНО-ПОСА́ДОЧН/ЫЙ: **~ая полоса́** *ав.* учиш-қўниш майдони (йўли).

ВЗЛЁТН/ЫЙ, -ая, -ое учадиган; учиш...; **~ое по́ле** учиш майдони.

ВЗЛОМ *м по гл.* **взлома́ть — взла́мывать.**

ВЗЛОМА́ТЬ *сов. (несов.* **взла́мывать)** *что* 1 бузиб (синдириб) очмоқ; **~ замо́к** қулфни бузиб очмоқ; **~ сейф** пўлат сандиқни бузиб очмоқ; 2 синдирмоқ, парча-парча (тилка-пора) қилмоқ; **~ лёд** музни парча-парча қилмоқ; 3 *воен.*

www.ziyouz.com kutubxonasi

ёриб кирмоқ; ~ **оборо́ну проти́вника** душман мудофаасини ёриб кирмоқ.

ВЗЛОМА́ТЬСЯ, **-а́ется** *сов.* (*несов.* **взла́мываться**) синиб (парчаланиб) сув очилмоқ (муз ҳақида).

ВЗЛО́МЩИК *м* қулфбузар ўғри.

ВЗЛОХМА́ТИТЬ, **-а́чу**, **-а́тишь** *сов.* (*несов.* **взлохма́чивать**) *что* пахмайтирмоқ, ҳурпайтирмоқ, чигаллаштирмоқ; ~ **во́лосы** сочларни ҳурпайтирмоқ (ёки чигаллаштирмоқ).

ВЗЛОХМА́ТИТЬСЯ, **-а́чусь**, **-а́тишься** *сов.* (*несов.* **взлохма́чиваться**) пахмаймоқ, ҳурпаймоқ, чигаллашмоқ, чигал бўлиб кетмоқ.

ВЗЛОХМА́ЧЕННЫЙ, **-ая**, **-ое** 1 *прич. от* **взлохма́тить**; 2 *в знач. прил.* ҳурпайган, пахмайган, пахмоқ, чигал; ~**е во́лосы** ҳурпайган (чигал) соч; ~**й пёс** юнги ҳурпайган ит.

ВЗЛОХМА́ЧИВАТЬ *несов. см.* **взлохма́тить.**

ВЗЛОХМА́ЧИВАТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **взлохма́титься**; 2 *страд. от* **взлохма́чивать.**

ВЗЛУЩИ́ТЬ *сов. что* 1 юмшатмоқ (экиндан бўшаган ерни); 2 оқламоқ; пўстини тозаламоқ; ~ **горо́х** нўхатнинг пўстини тозаламоқ.

ВЗМА́ЛИВАТЬСЯ *несов. см.* **взмоли́ться.**

ВЗМАНИ́ТЬ *сов. кого разг. уст.* ҳавасини қўзғатмоқ, кўзини ўйнатмоқ, ҳавасини келтириб ўзига ром қилмоқ, тортмоқ, андармон қилиб қўймоқ.

ВЗМАХ *м* силкитиш, силташ, қоқиш; силтам; **одни́м ~ом** бир қўл силтаб; бир қўл силташда; **при ка́ждом ~е кры́льев** ҳар қанот қоққанда.

ВЗМА́ХИВАТЬ *несов. см.* **взмахну́ть.**

ВЗМА́ХИВАТЬСЯ, **-ается** *несов. см.* **взмахну́ться.**

ВЗМАХНУ́ТЬ *сов.* (*несов.* **взма́хивать**) *чем* силкитмоқ, силтамоқ, қоқмоқ; ~ **кры́льями** қанот қоқмоқ; ~ **флажко́м** байроқчани силкитмоқ; **[Са́ня] взмахну́л фура́жкой, когда́ тро́нулся по́езд** (Каверин) Поезд қўзғалганда [Саня] фуражкасини силкитиб қолди.

ВЗМАХНУ́ТЬСЯ, **-нётся** *сов.* (*несов.* **взма́хиваться**) лип этиб (ирғиб) чиқмоқ, лип этиб (ирғиб) чиқиб олмоқ.

ВЗМАЩИВАТЬ *несов. см.* **взмости́ть.**

ВЗМАЩИВАТЬСЯ *несов. см.* **взмости́ться.**

ВЗМЕСТИ́, **-мету́**, **-метёшь**; **-мёл**, **-мела́** *сов.* (*несов.* **взмета́ть** II) *что* лип этиб ирғитмоқ, шиппа кўтармоқ; **ве́тер взмёл соло́му** шамол похолларни шиппа учириб кетди.

ВЗМЁТ *с* 1 бирин-кетин (битта-битта) отиш, ирғитиш; отиб-отиб ташлаш; 2 *с.-х.* биринчи ҳайдов, биринчи ҳайдаш; ~ **зя́би** шудгорни биринчи марта ҳайдаш.

ВЗМЕТА́ТЬ I, **-мечу́**, **-ме́чешь** *сов.* (*несов.* **взмётывать**) *что* 1 бирин-кетин (битта-битта) отмоқ, ирғитмоқ; отиб-отиб ташламоқ; 2 *с.-х.* биринчи марта ҳайдамоқ, биринчи ҳайдов қилмоқ.

ВЗМЕТА́ТЬ II, **-а́ю**, **-а́ешь** *несов. см.* **взмести́** и **взметну́ть.**

ВЗМЕТНУ́ТЬ *сов.* и *однокр.* (*несов.* **взмета́ть** II и **взмётывать**) 1 *что* чархпалак қилмоқ, шиппа кўтармоқ, совурмоқ, баланд кўтариб ташламоқ; 2 *чем* силкитмоқ, қимирлатмоқ, қоқмоқ.

ВЗМЕТНУ́/ТЬСЯ, **-нётся** *сов.* (*несов.* **взмётываться**) 1 ғиз (лов) этиб (тез, шиддат билан) кўтарилмоқ; ўқдай (ўқмолича) учиб чиқмоқ; **ого́нь ~лся из-под кры́ши** олов том тагидан лов этиб кўтарилди; 2 лип этиб (ирғиб) чиқиб олмоқ.

ВЗМЁТЫВАТЬ *несов. см.* **взмета́ть** I и **взметну́ть.**

ВЗМЁТЫВАТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **взметну́ться**; 2 *страд. от* **взмётывать.**

ВЗМОКА́ТЬ *несов. см.* **взмо́кнуть.**

ВЗМО́КНУТЬ *сов.* (*несов.* **взмока́ть**) *разг.* жиққа ҳўл бўлмоқ, шилта бўлмоқ, ивиб кетмоқ.

ВЗМОЛИ́/ТЬСЯ, **-оли́юсь**, **-о́лишься** *сов.* (*несов.* **взма́ливаться**) ўтиниб сўрай бошламоқ, ялиниб-ёлвормоқ, ялинмоқ, ўтинмоқ, зори қилмоқ; худонинг зорини қилиб сўрамоқ; **он ~лся о поща́де** у ялиниб-ёлвориб (зори қилиб) шафқат сўради.

ВЗМО́РЬ/Е *с* 1 денгиз бўйи; **ло́дка плыла́ по ~ю** кема денгиз бўйидан сузиб борарди; 2 денгиз қирғоғи, соҳили; соҳил; **жить на ~е** денгиз соҳилида яшамоқ; **ри́жское ~е** Рига яқинидаги денгиз соҳили.

ВЗМОСТИ́ТЬ, **-ощу́**, **-ости́шь** *сов.* (*несов.* **взма́щивать**) *кого-что прост.* устига (тепасига) чиқариб қўймоқ, жойлаштирмоқ.

ВЗМОСТИ́/ТЬСЯ, **-ощу́сь**, **-сти́шься** *сов.* (*несов.* **взма́щиваться**) *на кого-что прост.* устига (тепасига) чиқиб (жойлашиб) олмоқ, баланд жойга чиқиб ўрнашмоқ; ~**ться в седло́** эгарга миниб олмоқ; **де́ти ~лись на ве́рхние по́лки вагона́** болалар вагоннинг юқори полкаларига чиқиб олишди.

ВЗМУТИ́ТЬ, **-учу́**, **-ути́шь** и **-у́тишь** *сов.* (*несов.* **взму́чивать**) *что* лойқатмоқ, лойқалантириб юбормоқ.

ВЗМУТИ́ТЬСЯ, **-и́тся** *сов.* лойқаланмоқ, лойқаланиб кетмоқ.

ВЗМУ́ЧИВАТЬ *несов. см.* **взмути́ть.**

ВЗМЫВА́ТЬ *несов. см.* **взмыть.**

ВЗМЫ́ЛЕННЫЙ, **-ая**, **-ое** 1 *прич. от* **взмы́лить**; 2 *в знач. прил.* терга (ёки қора терга) ботган, терлаб кўпирган; ~ **конь** терга ботган от.

ВЗМЫ́ЛИВАТЬ *несов. см.* **взмы́лить.**

ВЗМЫ́ЛИВАТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **взмы́литься**; 2 *страд. от* **взмы́ливать.**

ВЗМЫ́ЛИТЬ *сов.* (*несов.* **взмы́ливать**) *кого-что* 1 *разг.* совун суртиб кўпиртирмоқ; 2 терга (ёки қора терга) ботирмоқ, терлатиб юбормоқ (отни); ~ **ло́шадь бы́строй ска́чкой** отни тез чоптириб (қора) терга ботирмоқ.

ВЗМЫ́ЛИТЬСЯ *сов.* (*несов.* **взмы́ливаться**) 1 *разг.* кўпирмоқ; кўпикланмоқ, совунланмоқ; 2 терлаб кетмоқ; (қора) терга ботмоқ.

ВЗМЫ/ТЬ, **взмо́ю**, **взмо́ешь** *сов.* (*несов.* **взмыва́ть**) тез ғиз, шув этиб) кўтарилмоқ, ўқдай учиб чиқмоқ, парвоз қилмоқ; **пти́ца ~ла в не́бо** қуш ғиз этиб кўкка кўтарилди.

ВЗНЕСТИ́, **-есу́**, **-есёшь**; **взнёс**, **взнесла́** *сов.* (*несов.* **взноси́ть**) *что* 1 *прост.* и *уст. то же, что* **внести́**; 2 *уст. то же, что* **вознести́**; 3 тез олиб чиқмоқ, тепага кўтармоқ.

ВЗНЕСТИ́СЬ, **-есу́сь**, **-есёшься**; **взнёсся**, **взнесла́сь** *сов.* (*несов.* **взноси́ться**) тепага чиқмоқ, баланд кўтарилмоқ.

ВЗНОС *м* 1 тўлаш, тўлов; 2 взнос, бадал; **чле́нские ~ы** аъзолик взнослари (бадаллари); **вступи́тельные ~ы** кириш взноси.

ВЗНОСИ́ТЬ, **-ошу́**, **-о́сишь** *несов. см.* взнести́.

ВЗНОСИ́ТЬСЯ, **-ошу́сь**, **-о́сишься** *несов.* 1 *см.* **взнести́сь**; 2 *страд. от* **взноси́ть.**

ВЗНУЗДА́ТЬ *сов.* (*несов.* **взну́здывать**) *кого-что* 1 юганламоқ, юганлаб (от) оғзига сувлуқ солмоқ; 2 *перен.* жиловлаб олмоқ, бўйсундирмоқ, итоат эттирмоқ тиймоқ.

ВЗНУ́ЗДЫВАТЬ *несов. см.* **взнузда́ть.**

ВЗО- *см.* **вз-.**

ВЗОБРА́ТЬСЯ, **взберу́сь**, **взберёшься** *сов.* бир амаллаб (қийинчилик билан) кирмоқ; тиришиб-тирмашиб чиқмоқ, кўтарилмоқ, чирмашиб чиқмоқ; ~ **на ве́рхний эта́ж** қийинчилик билан (қийналиб, инқиллаб-синқиллаб) юқориги қаватга кўтарилмоқ.

ВЗОЙТИ, **-йду́**, **-йдёшь**; **взошёл**, **-шла́** *сов.* (*несов.* **всходи́ть**) 1 кўтарилмоқ, чиқмоқ, минмоқ; чиқиб олмоқ; ~ **на верши́ну** чўққига чиқмоқ (кўтарилмоқ); 2 (*несов. также* **восходи́ть**) чиқмоқ, кўринмоқ; **со́лнце взошло́** қуёш чиқди; 3 униб чиқмоқ; **рожь взошла́** арпа униб чиқди; 4 *разг.* кўпчимоқ, ошмоқ; **те́сто взошло́** хамир ошди; 5 *уст.* и *прост. то же, что* **войти́** 1; 6 *уст.* лойиқ келмоқ, сиғмоқ.

ВЗОР *м* кўз қараши, назар, нигоҳ, боқиш; **устреми́ть ~ вдаль** узоқ-узоқларга қарамоқ; **обрати́ть на себя́ все ~ы** ҳаммани ўзига қаратмоқ; ҳамманинг диққатини ўзига тортмоқ; **пе́ред на́шим ~ом откры́лась доли́на** кўз олдимизда водий пайдо бўлди; ✦ **поту́пить ~** кўзларини ерга қаратмоқ; ерга қарамоқ; **изме́рить ~ом** бошдан оёқ кўздан кечирмоқ.

ВЗОРВА́/ТЬ *сов.* 1 (*несов.* **взрыва́ть** I) *что* портлатмоқ, портлатиб юбормоқ; 2 *перен. кого разг.* ғазабини қайнатмоқ, жаҳлини чиқариб юбормоқ; **меня́ ~ло** менинг ғазабим қайнаб (жоним чиқиб) кетди; мен тутақиб кетдим.

ВЗОРВА́ТЬСЯ, **-вётся** *сов.* (*несов.* **взрыва́ться**) 1 портламоқ, портлаб кетмоқ; 2 *перен. разг.* ғазаби қайнаб кетмоқ; дарғазаб бўлмоқ, тутақмоқ.

ВЗРАСТИ́ТЬ, **-ащу́**, **-асти́шь** *сов.* (*несов.* **взра́щивать**) *кого-что высок.* 1 ўстирмоқ, тарбиялаб вояга етказмоқ;

www.ziyouz.com kutubxonasi

~ тала́нты талантларни ўстирмоқ (тарбиялаб вояга етказмоқ); 2 экмоқ, ўстирмоқ, кўкартирмоқ; ~ сады́ боғу роғ қилмоқ.

ВЗРАЧНЫЙ, -ая, -ое *уст.* и *обл.* кўзга яқин, кўҳлик, истараси иссиқ.

ВЗРАЩИВА́ТЬ *несов. см.* **взрасти́ть.**

ВЗРЕВЕ́ТЬ *сов.* бирдан бўкириб (чинқириб, бақириб) юбормоқ.

ВЗРЕ́ЗАТЬ, -е́жу, -е́жешь *сов. (несов.* **взреза́ть** и **взре́зывать**) *что* тилмоқ, ёрмоқ; тилиб (кесиб) очмоқ; ~ **кры́шку ба́нки** банка қопқоғини кесиб очмоқ; ~ **ды́ню** қовунни кесиб кўрмоқ.

ВЗРЕ́ЗАТЬ *несов. см.* **взре́зать.**

ВЗРЕ́ЗЫВАТЬ *несов. см.* **взре́зать.**

ВЗРОСЛЕ/ТЬ *несов. (сов.* **повзросле́ть**) улғаймоқ, катта бўлмоқ, вояга (балоғатга) етмоқ, камолга эришмоқ; **Лю́ди расту́т, ~ю́т, старе́ют...** (Эренбург) Одамлар ўсяпти, вояга етаяпти, қарияпти...

ВЗРО́СЛ/ЫЙ, -ая, -ое 1 катта ёшли, бўйи етган, балоғатга етган; 2 *в знач. сущ.* ~**ый** *м* катта (вояга етган) бола; ~**ая** *ж* катта (бўйи етган) қиз; 3 катта, етилган (мол ҳақида).

ВЗРЫВ *м* 1 портлаш; ~ **снаря́да** снаряднинг портлаши; 2 портлаш, портлаб кетиш; ~ **вра́жеских суде́в** душман кемаларининг портлаши (портлаб кетиши, портлатилиши); 3 *перен.* тўсатдан (бирдан) юз берган шиддатли (кучли) ҳодиса, воқеа; ~ **сме́ха** бирдан қаҳқаҳа отиш; бирдан кўтарилган қаҳқаҳа; ~ **ра́дости** бирдан пайдо бўлган қаттиқ хурсандлик; ~ **аплодисме́нтов** гулдурос қарсаклар; 4 *филос.* портлаш, бир формадан иккинчи формага сакраб ўтиш; **революцио́нный** ~ революцион портлаш; 5 *лингв.* портлаш.

ВЗРЫВА́ТЕЛЬ *м* портлатувчи мослама, портлатгич; ~ **заме́дленного де́йствия** секин портлатувчи мослама; ~ **мгнове́нного де́йствия** тез портлатувчи мослама; **уда́рный** ~ зарбли портлатгич; **дистанцио́нный** ~ дистанцион портлатгич.

ВЗРЫВА́ТЬ I *несов. см.* **взорва́ть** 1.

ВЗРЫВА́ТЬ II *несов. см.* **взрыть.**

ВЗРЫВА́ТЬСЯ 1 *несов.* 1 *см.* **взорва́ться;** 2 *страд. от* **взрыва́ть** I.

ВЗРЫВА́ТЬСЯ II, -а́ется *несов. страд. от* **взрыва́ть** II.

ВЗРЫВНИ́К *м, р.* **-а́** портлатувчи ишчи; портлатиш ишлари мутахассиси.

ВЗРЫВН/О́Й, -а́я, -о́е 1 портлайдиган; портлатадиган; портлаш...; портлатиш...; ~**а́я волна́** портлаш тўлқини; ~**ы́е рабо́ты** портлатиш ишлари; 2 *лингв.* портловчи; ~**о́й согла́сный** портловчи ундош.

ВЗРЫВООПАСН/ЫЙ, -ая, -ое; -сен, -сна 1 тез (осон) портлайдиган, портлаш хавфи бўлган; ~**ые га́зы** портлаши осон(портлаш хавфи бўлган) газлар; 2 *перен.* уруш чиқиш хавфи бўлган, уруш чиқиши (бошланиб кетиши) мумкин бўлган; ~**ая обстано́вка** уруш чиқиши (бошланиб кетиши) мумкин бўлган шароит; ~**ые райо́ны ми́ра** жаҳоннинг уруш чиқиш хавфи бўлган районлари.

ВЗРЫВЧА́ТКА *ж разг.* портлайдиган (портловчи) модда.

ВЗРЫВЧАТЫ/Й, -ая, -ое портловчи, портлайдиган; ~**е вещества́** портловчи моддалар.

ВЗРЫТЬ, взро́ю, взро́ешь *сов. (несов.* **взрыва́ть II**) *что* чопиб юмшатмоқ, чопмоқ, кетмонламоқ.

ВЗРЫХЛИ́ТЬ *сов. (несов.* **рыхли́ть и взрыхля́ть**) *что* чопмоқ, ҳайдаб (ёки кетмонлаб ва ҳ. к.) юмшатмоқ.

ВЗРЫХЛЯ́ТЬ *несов. см.* **взрыхли́ть.**

ВЗЪ- *см.* **вз-.**

ВЗЪЕДА́ТЬСЯ *несов. см* **взъе́сться.**

ВЗЪЕЗД *м разг.* 1 *по гл.* **взъезжа́ть;** 2 тепаликка чиқадиган йўл, баландлаб борадиган йўл, қияма (ўр) йўл.

ВЗЪЕЗЖА́ТЬ *несов. см.* **взъе́хать.**

ВЗЪЕРЕПЕ́НИ/ТЬСЯ *сов. прост.* жаҳли чиқиб туриб олмоқ, терслик (кажбаҳслик) қилмоқ, кажбаҳслиги тутиб кетмоқ, тўнини тескари кийиб олмоқ; **и что ты ~лся?** нимага кажбаҳслик қиласан (қиляпсан)?

ВЗЪЕРОШЕ́ННЫ/Й, -ая, -ое 1 *прич. от* **взъеро́шить;** 2 *в знач. прил.* пахмоқ, пахмайган, ҳурпайган, диккайган; **со ~ми волоса́ми** ҳурпайган (диккайган) сочлари билан.

ВЗЪЕРО́ШИВАТЬСЯ *несов. см.* **взъеро́шить.**

ВЗЪЕРО́ШИВАТЬСЯ *несов. см.* **взъеро́шиться.**

ВЗЪЕРО́ШИТЬ *сов. (несов.* **взъеро́шивать**) *что разг.* ҳурпайтирмоқ, диккайтирмоқ; ~ **во́лосы** сочларини ҳурпайтирмоқ.

ВЗЪЕРО́ШИТЬСЯ *сов. (несов.* **взъеро́шиваться**) *разг.* сочларини (юнгини) ҳурпайтирмоқ; ҳурпаймоқ, думини диккайтирмоқ.

ВЗЪЕРШИ́ТЬ *сов. прост. то же, что* **взъеро́шить.**

ВЗЪЕРШИ́ТЬСЯ *сов.* 1 *разг.* диккаймоқ, ҳурпаймоқ; 2 *перен. прост.* жаҳли (жони) чиқиб кетмоқ, қаттиқ ғазабланмоқ, ғазабга минмоқ, қони қайнаб (тутақишиб) кетмоқ.

ВЗЪЕ́СТЬСЯ, -е́мся, -е́шься, -е́стся, -едя́мся, -еди́тесь, -едя́тся; взе́лся *сов. (несов.* **взеда́ться**) *на кого-что прост.* заҳрини сочмоқ, аламини олмоқ, аччиқ-тирсиқ гап билан жонини олмоқ, ўринсиз ёпишавермоқ, ёмонлайвермоқ.

ВЗЪЕХА́ТЬ, -е́ду, -е́дешь *сов. (несов.* **взъезжа́ть**) ўрлаб (баландлаб борадиган йўл билан) бормоқ; тепага, баландга чиқмоқ; ~ **на бугро́р** тепаликка чиқмоқ (кўтарилмоқ).

ВЗЪЯРИ́ТЬ *сов. кого разг.* қаттиқ жаҳлини чиқармоқ, ғазабини оширмоқ, қонини қайнатмоқ.

ВЗЪЯРИ́ТЬСЯ *сов. разг.* қаттиқ жаҳли чиқмоқ, ғазаби ошиб кетмоқ, қони қайнамоқ.

ВЗЫВА́ТЬ *несов. (сов.* **воззва́ть**) 1 *уст.* қаттиқ (бақириб) чақирмоқ; 2 *к кому-чему о чем высок.* ялинмоқ, ёлвормоқ, ёрдамга чақирмоқ, ундамоқ, даъват қилмоқ; ~ *к кому-л.* **о по́мощи** ёрдам сўрамоқ, ёрдамга чақирмоқ; ~ **к справедли́вости** адолатга чақирмоқ; ~**об отмще́нии** интиқом (ўч) олишни сўрамоқ; ~ **к со́вести** инсофга чақирмоқ.

ВЗЫГРА/ТЬ *сов.* 1 бирдан ўйноқилаб (диканглаб) кетмоқ; шўхлиги тутмоқ; 2 тўлқинланиб кетмоқ, жўш урмоқ, қутурмоқ; ~**ло се́рдце** юрак тўлқинланиб кетди.

ВЗЫСКА́НИЕ *с* 1 *по гл.* **взыска́ть** I; ~ **долга** қарзни ундириш; қарзни тўлатиш; 2 *офиц.* ундирилган (ундириб олинган) пул; 3 жазо; таъзир; **наложи́ть дисциплина́рное** ~ маъмурий жазо бермоқ; **де́нежное** ~ жарима.

ВЗЫСКА́ТЕЛЬНОСТЬ *ж* талабчанлик, талаби зўрлик, диди баландлик.

ВЗЫСКА́ТЕЛЬНЫЙ, -ая, -ое; -лен, -льна талабчан, талаби зўр; диди баланд; ~ **команди́р** талабчан командир; ~ **зри́тель** талабчан (диди баланд) томошабин.

ВЗЫСКА́ТЬ I, взыщу́, взы́щешь *сов. (несов.* **взы́скивать I**) 1 *что с кого* тўлатмоқ, ундирмоқ, олмоқ; ~ **нало́г** солиқни тўлатмоқ (ундирмоқ), солиқ олмоқ; 2 *с кого за что* масъулият талаб қилмоқ, жазоламоқ, жавобгар қилмоқ; **стро́го** ~ **с винове́ных** айбдорлардан қаттиқ талаб қилмоқ; айбдорларни қаттиқ жазоламоқ; ✦ **не взыщи́(те)** айбга қўшма(нг), айбга буюрмайсан (-майсиз), узр.

ВЗЫСКА́ТЬ II, взыщу́, взы́щешь *сов. (несов.* **взы́скивать II**) *кого уст.* лойиқ (муносиб) кўрмоқ, кўтармоқ, тавсия қилмоқ.

ВЗЫСКИВА́ТЬ I *несов. см.* **взыска́ть** I.

ВЗЫСКИВА́ТЬ II *несов. см.* **взыска́ть** II.

ВЗЫСКУ́ЮЩИЙ, -ая, -ее *книжн. уст.* интилувчи, кўз тутувчи, интизор.

ВЗЯТИЕ *с* олиниш; олиш, қўлга олиш, ишғол қилиш; ~ **в плен** аср(га) олиш; ~ **укрепле́ния** истеҳкомни қўлга олиш (ишғол қилиш); ~ **вла́сти** ҳокимиятни қўлга олиш; ҳокимиятнинг қўлга олиниши.

ВЗЯТК/А *ж, р. мн.* **-ток** 1 пора, ришва(т); 2 бир юришда олинган карта(лар), ютуқ карта(лар); ✦ ~**и гла́дки** *с кого* (ундан) унмайди ҳам, куймайди ҳам; (ундан) ҳемири ҳам чиқмайди.

ВЗЯТКОДА́ТЕЛЬ *м* пора берган киши, пора берувчи.

ВЗЯТКОПОЛУЧА́ТЕЛЬ *м* пора олган киши, пора олувчи, порахўр, ришвахўр.

ВЗЯТО́К *м, р.* **-тка** *спец.* асаларининг бир гал олган озиғи (асали); уясидан бир гал олинган асал.

ВЗЯТО́ЧНИК *м* порахўр, ришвахўр.

ВЗЯТО́ЧНИЦА *ж* порахўр (ришвахўр) аёл.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ВЗЯТОЧНИЧЕСКИ/Й, -ая, -ое порахўрликка оид, порахўрликдан иборат бўлган; порахўрлик...; ~е **приёмы** порахўрлик йўллари.

ВЗЯТОЧНИЧЕСТВО *с* порахўрлик, ришвахўрлик.

ВЗЯТЬ, возьму́, возьмёшь *сов.* 1 *см.* **брать**; 2 *кого* қамоққа (ҳибсга) олмоқ; қамаб қўймоқ; **Пётр Рагозин был взят полицией на у́лице с гру́ппой боево́й дружи́ны** (Федин) Пётр Рагозин полиция томонидан бир группа жанговар дружиначилар билан бирга кўчада қамоққа олинган эди; 3 **«да», «и», «да и»** боғловчилари ва улардан кейин келган феъллар билан иш-ҳаракатнинг бехосдан, қўққисдан ёки ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ рўй берганлигини билдиради; **он взял да (и) прие́хал** у кутилмаганда (тўсатдан) кириб келди; у ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ келиб қолди; **возьму́ да (и) уйду́** мен шартта кетаман қоламан; 4 *пов. и неопр.* **«хотя́», «хотя́ бы»** сўзлари билан «олайлик», «эътибор беринг» каби маъноларни билдиради; **возьми́те хотя́ бы э́тот слу́чай** мисол учун мана шу ҳолни олайлик; ✦ ~ *кого* **в оборо́т** *см.* **оборо́т**; ~ **верх** *см.* **верх**; ~ **в толк** *см.* **толк**; **на́ша взяла́** *см.* **брать**; ~ **хи́тростью** *см.* **брать**; ~ **приме́р** *с кого см.* **приме́р**; ~ **своё** *см.* **свой**; ~ *чью* **сто́рону** *см.* **сторона́**; ~ **за горло** *см.* **го́рло**; ~ **го́лыми рука́ми** *см.* **го́лый**; **меня́ взял страх** *см.* **брать**; **его́ ничто́ не возьмёт** *см.* **брать**; **ни дать ни** ~ *см.* **дать**; **отку́да** (или **с чего́**) **он (э́то) взял?** бу гапни у қаердан олди?; бу гап қаердан чиқди?

ВЗЯТЬСЯ, возьму́сь, возьмёшься *сов. см.* **бра́ться**; ✦ ~ **за ум** *см.* **бра́ться**; **отку́да ни возьми́сь** қаердандир, ногаҳон, осмондан тушгандай; **взя́лся за гуж — не говори́, что не дюж** *см.* **дю́жий**.

ВИАДУ́К *м* виадук, тешик кўприк (йўл устидан ўтган кўприк).

ВИБРА́ТОР *м* вибратор, тебраткич.

ВИБРАЦИО́ННЫ/Й, -ая, -ое вибрация билан боғлиқ бўлган, вибрацияга асосланган, вибрацион, тебранма; вибрация...; ~**е маши́ны** вибрацион машиналар.

ВИБРА́ЦИЯ *ж* 1 вибрация, тебраниш; титраш, зириллаш; ~ **твёрдого те́ла** қаттиқ жисмнинг тебраниши (тебранишлари, зириллаши); 2 *муз.* овознинг (товушнинг) титраши, титраб, паст-баланд бўлиши.

ВИБРИО́Н *м* вибрион (вергул шаклидаги бактерия); **холе́рный** ~ вабо вибриони.

ВИБРИ́Р/ОВАТЬ *несов.* 1 тебранмоқ, титрамоқ, зириллламоқ; 2 *муз.* титрамоқ, титраб паст-баланд бўлмоқ; ~**ующий го́лос** титраган (титроқ) товуш.

ВИВА́РИЙ *м* виварий (ҳайвонлар устида тажриба ўтказиладиган махсус жой).

ВИВИСЕ́КТОР *м* вивисектор, вивисекция мутахассиси.

ВИВИСЕКЦИО́ННЫЙ, -ая, -ое вивисекцияга оид; вивисекция...

ВИВИСЕ́КЦИЯ *ж* 1 вивисекция (тирик ҳайвонни ёки тирик ҳайвон организмини ёриб текшириш); 2 *перен.* қонхўрлик.

ВИГВА́М *ж* вигвам (Шимолий Америка индеецларининг ўтовсимон кулбаси, чайласи).

ВИ́ГИ *мн. (ед.* **виг** *м)* виги (17—19-асрларда Англияда, 1834—1854 йилларда АҚШда: снёсий партия).

ВИГО́НЕВ/ЫЙ, -ая, -ое вигондан қилинган; вигонь...; ~**ая пря́жа** вигонь ип.

ВИГО́НЬ *ж* вигонь (1 Жанубий Америкада яшовчи туясимон ҳайвон; 2 шу ҳайвоннинг майин юнги ва ундан тўқилган газмол; 3 дағал юнг билан пахта аралашмасидан эшилган ип; шундай ипдан тўқилган газмол).

ВИД I *м* 1 кўриниш, чирой, кўрк; **вне́шний** ~ **зда́ния** бинонинг ташқи кўриниши; 2 кўриниш, қиёфа, афзо, важоҳат, талъат, сумбат, ранг, тус, снёҳ, чеҳра, афт, башара, рухсор; **здоро́вый** ~ соғлом кўриниш; **на** ~ или **с** ~**у, по** ~**у** кўринишидан, рангидан, башарасидан, чеҳрасидан; **знать** *кого-л.* **по** ~**у** қиёфасидан (афтидан) билмоқ; **су́дя по** ~**у** кўринишидан; кўринишига қараганда; **недово́льный** ~ норози кўриниш (чеҳра); **приня́ть серьёзный** ~ жиддий тус олмоқ; 3 ҳол, аҳвол, ҳолат; **в норма́льном** ~**е** нормал ҳолда; **в испра́вленном** ~**е** тузатилган ҳолда; 4 манзара, кўриниш; лавҳа; ~ **из окна́** деразадан кўринган (кўринадиган) манзара; деразадан кўриниш; ~**ы гор** тоғ манзаралари; ~**ы Пами́ра** Помир манзаралари; 5 (равиш иборалар таркибида) кўз олди, кўз ўнгида (олдида), назарида; **из** ~**а, из** ~**у** кўздан, назардан; **потеря́ть** *кого-л.* **из** ~**у** бировни назардан қочирмоқ; бировни эсдан чиқармоқ; **на** ~**у́** *у кого-л.* кўз олдида (ўнгида); 6 *мн.* ~**ы** мўлжалдаги нарса, мўлжал, мақсад, ният, умид; ~**ы на урожа́й** мўлжалдаги (мўлжал қилинган, кутилган) ҳосил, ҳосил мўлжали; ~**ы на бу́дущее** келгусида(н) кутилган умид; ✦ ~**ы на жи́тельство** *уст.* истиқомат учун берилган гувоҳнома, паспорт; **под** ~**ом** *чего* бирор нарса никоби остида, бирор нарсанинг баҳонаси билан; **ни под каки́м** ~**ом** ҳеч қандай баҳона билан; ҳеч, асло, сира, зинҳор; **для** ~**а** кўнгил учун; хўжакўрсинга, хўжакўрсин учун, кўз бўяш учун; **де́лать** ~ ўзини... қилиб кўрсатмоқ; ...га солмоқ; **он де́лал** ~**, что чита́л** у ўзини ўқигандай (ўқиган қилиб) кўрсатди; **не пода́ть** ~**у** сир бой бермаслик, билинтирмаслик; кўрмаган (билмаган) киши бўлиб юриш; **он** ~**у не по́дал, что не слы́шал** у эшитмаганлигини билдирмади; **я и** ~**у не по́дал, что заме́тил** сезганимни билдирмадим; **иметь в** ~**у́** кўзда (назарда, эсда) тутмоқ; ҳисобга (эътиборга) олмоқ; **я име́л в** ~**у́ вчера́шний слу́чай** мен кечаги воқеани кўзда тутган эдим; **я бу́ду име́ть вас в** ~**у́** мен сизни назарда тутаман (ҳисобга оламан); **быть на** ~**у́** 1) кўз олдида бўлмоқ; 2) обрў-эътиборли бўлмоқ, назарда бўлмоқ; **быть у всех на** ~**у́** ҳамманинг кўз олдида бўлмоқ; эл назарида бўлмоқ; **упусти́ть из** ~**у** эсдан (хотирдан) чиқармоқ, унутмоқ; **поста́вить на** ~ *кому* танбеҳ бермоқ; **он вида́л** ~**ы** у кўпни кўрган (оқ-қорани таниган одам).

ВИД II *м* 1 тур, хил, нав, кўриниш; ~**ы ору́жия** қуролларнинг турлари; 2 *спец.* тур (ўсимлик ва ҳайвонлар систематикасида, философияда); 3 усул, йўл, хил, тип; ~**ы обуче́ния** ўқиш-ўқитиш усуллари; 4 *грам.* вид, тур; **соверше́нный** ~ феълнинг тугалланган тури; **несоверше́нный** ~ феълнинг тугалланмаган тури.

ВИДАННЫЙ, -ая, -ое 1 *прич. от* **вида́ть** I; 2 *в знач. прил. разг.:* ~**ое ли э́то де́ло?** бу қанақаси бўлди?, шу гап (иш) ҳам бўладими?

ВИ́ДА/ТЬ I *несов. кого-что* 1 кўрмоқ, учратмоқ, бошдан кечирмоқ; **он вся́кое** ~**л** у кўп нарсани кўрган (бошдан кечирган); ~**ли?** *прост.* қаранг-а? кўрдиларингизми?; **где э́то ви́дано?** бу қанақаси?; бу қандай гап?; **глаза́ б (мой) не** ~**ли** қуриб кетсин, кўрмасам кошки эди; 2 *разг. то же, что* **ви́деть** 2—6.

ВИДА́ТЬ II *прост.* 1 *безл. в знач. сказ.* кўринади, кўриниб туради; **ничего́ не** ~ ҳеч нарса кўринмайди (кўринмаяпти); 2 *в знач. вводн. сл.* ўхшайди, афтидан, чамаси, шекилли; **за́втра** ~ **до́ждь бу́дет** эртага ёмғир ёғадиганга ўхшайди; ✦ **в глаза́ не** ~ бутунлай кўрмаганлик; **от земли́ не** ~ бўйи ер бағирлаб (ерга қапишиб) ётибди (жуда ҳам паст бўйли, пакана).

ВИ́ДАТЬСЯ *несов. (сов.* **повида́ться**) *с кем-чем* и *без доп.* кўришмоқ, кўришиб (учрашиб) турмоқ; **мы с ним ре́дко вида́емся** биз у билан кам кўришамиз (учрашамиз).

ВИ́ДЕНИЕ *с* 1 *по гл.* **ви́деть**; 2 ҳиссиёт; ҳис этиш; **поэти́ческое** ~ **ми́ра** дунёни поэтик (шоирона) ҳис этиш.

ВИДЕ́НИЕ *с* 1 арвоҳ, шарпа; 2 хаёлот, хаёлда кўринган нарса.

ВИДЕОМАГНИТОФО́Н *м* видеомагнитофон.

ВИДЕОТЕЛЕФО́Н *м* видеотелефон.

ВИДЕ/ТЬ, ви́жу, ви́дишь *несов.* 1 кўрмоқ, кўриш қобилиятига эга бўлмоқ; **хорошо́** ~**ть** яхши (аниқ) кўрмоқ; **за дере́вьями не** ~**ть ле́са** *посл.* дарахтни кўриптилару, дарахтзорни кўрмаптилар; **ви́дит о́ко, да зуб неймёт** *посл.* кўрмоқ бору, емоқ йўқ; кўз кўрадию, қўл тутмайди; 2 *(сов.* **увиде́ть**) *кого-что* кўрмоқ; ~**ть свои́ми глаза́ми** ўз кўзи билан кўрмоқ; **я** ~**л море** ви́здали мен денгизни узоқдан кўрганман; 3 *(сов* **увиде́ть**) *что* сезмоқ, **пайқамоқ**, кўрмоқ, тасаввур (ҳис) қилмоқ; тушунмоқ, билмоқ; ~**ть свою́ вину́** ўз айбини ҳис қилмоқ; **я не ви́жу в э́том ничего́ осо́бенного** менимча бунинг ҳеч бир қизиқ (ажабланарли) жойи йўқ; **я ви́жу, с кем име́ю де́ло** унинг (сизнинг ва ҳ. к.) ким эканлигини сезиб (кўриб) турибман; 4 *(сов.* **уви́деть**) *кого-что* кўрмоқ, учратмоқ; **я его́** ~**л вчера́ два ра́за** мен уни кеча икки марта кўрган (учратган) эдим; 5 *(сов.* **уви́деть**) *что* кўрмоқ, бошдан кечирмоқ; **он мно́го**

www.ziyouz.com kutubxonasi

~л в своёй жи́зни у умрида бошидан кўп нарсани кечирди; 6 *(сов.* **уви́деть)** *что* тасаввур қилмоқ, кўз олдига келтирмоқ: **я вижу его́, как живо́го** уни тирик деб тасаввур қиляпман; ✦ **ви́дишь ли (ви́дите ли)** биласизми; **как ви́дите** *в знач. вводн. сл.* кўриб турибсизки; маълум бўлдики; **~ть** *кого* **насквозь** *см.* **насквозь; то́лько и ~ли** бир кўриндию, ғойиб бўлди; тақ этди, қайдан билай қаёққа кетди.

ВИ́ДЕ/ТЬСЯ, ви́жусь, ви́дишься *несов.* 1 *с кем* кўришмоқ, учрашмоқ; **они́ ча́сто ви́дятся** улар тез-тез кўришиб туришади; **мы год не ~лись** биз бир йил кўришмадик (кўришмаган, учрашмаган эдик); 2 *кому-чему* кўринмоқ, хаёлига келмоқ, намоён бўлмоқ, сезилмоқ, билинмоқ; **ему́ уже́ ви́дится по́лный успе́х** унинг кўз олдида тўла муваффақият намоён бўлмоқда эди; у худди тўла муваффақиятга эришаётгандай эди; ✦ **как ви́дится** *в знач. вводн. сл. прост.* бўлса керак, шекилли.

ВИ́ДИМО *нареч.* 1 *в знач. вводн. сл.* афтидан, чамаси, шекилли; **~, он чем-то недово́лен** у афтидан бирор нарсадан норози; 2 *уст.* зоҳиран, кўринишидан, ташқаридан; сезиларли равишда.

ВИ́ДИМО-НЕВИ́ДИМО *нареч. разг.* беҳисоб, сон-саноқсиз, тумонат.

ВИ́ДИМОСТ/Ь *ж* 1 кўриниш, кўз илғаш; **Бы́ло я́сное у́тро, прекра́сная ~ь** (Симонов) Эрталаб ҳаво очиқ, кўриниш жуда яхши (ҳаммаёқ яхши кўриниб турар) эди; 2 сиртдан кўриниш; зоҳирий томон; **э́то то́лько ~ь** фақат зоҳиран (кўринишдан) шундай; фақат шундай кўринади (туюлади); ✦ **для ~и** *разг.* хўжакўрсинга, одамларнинг кўзига; **по всей ~и** афтидан, чамаси.

ВИ́ДИМ/ЫЙ, -ая. -ое 1 кўзга кўринадиган, кўриб бўладиган, кўз илғайдиган, кўринарли, зоҳир; **~ый мир** кўз билан кўриб бўладиган борлиқ; **~ые о́бласти спе́ктра** спектрнинг кўзга кўринадиган соҳаси; 2 очиқ-ойдин, ошкор, яққол кўриниб турган; **без вся́кой ~ой причи́ны** ҳеч қандай, яққол кўриниб турган сабабсиз; 3 *разг.* сиртдан кўринадиган (туюладиган), зоҳирий, юзаки, сиртқи, ташқи; номигагина; **то́лько ~ый успе́х** фақат номигагина ютуқ; ✦ **~ое де́ло** *в знач. вводн. сл. прост.* 1) аниқ, маълум; 2) муқаррар, турган гап, ҳойнаҳой.

ВИ́ДНЕ/ТЬСЯ, -е́ется *несов.* кўринмоқ, кўриниб турмоқ, кўзга илинмоқ, гавдаланмоқ; **вдали́ ~лись го́ры** узоқда тоғлар кўринарди.

ВИ́ДНО 1 *безл. в знач. сказ.* кўринади, кўриниб турибди (турибди); **отсю́да ~ всю дере́вню** бу ердан бутун қишлоқ кўринади (кўриниб туради); **мне хорошо́ ~** менга яхши (яққол) кўриниб турипти; мен яхши кўряпман; **по всему́ ~, что...** аниқ (очиқ) кўриниб турибдики; 2 *в знач. вводн. сл. разг.* афтидан, чамаси, шекилли, ўхшайди; **~, он заболе́л** у касал бўлиб қолганга ўхшайди.

ВИ́ДН/ЫЙ, -ая, -ое; -ден, -дна́, -дно 1 кўринадиган, кўриниб турган (турадиган), кўринарли; **чуть ~ый** бир оз (аранг) кўринадиган; **на ~ом ме́сте** яққол (аниқ) кўринадиган жойда (жойга); кўринарли жойда (жойга); 2 кўзга кўринарли, атоқли, машҳур, катта; муҳим; **~ый учёный** атоқли олим; **занима́ть ~ое ме́сто** муҳим ўринни эгалламоқ; 3 *разг.* келишган, савлатли, келбатли, кўримли, салобатли; барваста, норғул; **~ый мужчи́на** савлатли киши.

ВИДОВО́Й I, -а́я, -о́е *прил. от* **вид** I, 5 тасвирий, манзарали, табиат манзараларини кўрсатувчи; **~ фильм** тасвирий (табиат манзараларини кўрсатувчи) фильм.

ВИДОВ/О́Й II, -а́я, -о́е *прил. от* **вид** II, 2—4 турга оид; тур...; вид...; **~ые поня́тия** тур тушунчалари; **~ы́е фо́рмы глаго́лов** феълларнинг вид формалари.

ВИДОИЗМЕНЕ́НИ/Е *с* 1 *по гл.* **видоизмени́ть** и **видоизмени́ться; Я смотре́л по обыкнове́нию в о́кна, следя́ за ~ями облако́в** (Белинский) Мен одат бўйича деразадан қараб ўтирардим ва булутлар шаклининг ўзгаришларини кузатардим; 2 бирор нарсанинг бошқа (ўзгарган) шакли, кўриниши; **алма́з и графи́т — ~я углеро́да** олмос ва графит углероднинг бошқа кўринишларидир.

ВИДОИЗМЕНИ́ТЬ *сов. (несов.* **видоизменя́ть**) *кого-что* шаклини (кўринишини) ўзгартирмоқ, бошқа шаклга (кўринишига) ўтказмоқ, бошқа шакл (кўриниш) бермоқ, турламоқ, хилламоқ.

ВИДОИЗМЕНИ́ТЬСЯ *сов. (несов.* **видоизменя́ться**) ўзгармоқ, бошқа хил бўлмоқ, бошқа шаклга (кўринишга) келмоқ, бошқа шакл (кўриниш) олмоқ, турланмоқ, хилланмоқ.

ВИДОИЗМЕНЯЕМОСТЬ *ж* шаклини (кўринишини) ўзгартира олиш хусусияти; ўзгарувчанлик.

ВИДОИЗМЕНЯ́ТЬ *несов. см.* **видоизмени́ть.**

ВИДОИЗМЕНЯ́ТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **видоизмени́ться;** 2 *страд. от* **видоизменя́ть.**

ВИДОИСКА́ТЕЛЬ *м* видоискатель (1 фото ва киноаппаратларнинг суратга олинадиган объект ҳолатини кузатиш учун хизмат қиладиган мосламаси, визири; 2 рассомликда: расми чизилаётган манзарани чекловчи рамка шаклидаги қурилма).

ВИДООБРАЗОВА́НИЕ *с биол.* тур ҳосил (пайдо) бўлиши, турларнинг юзага келиши.

ВИДЫВА́ТЬ *несов. разг.* кўп кўрмоқ (учратмоқ); кўп кўриб турмоқ.

ВИ́З/А *ж* виза (1 ҳукуматнинг бошқа мамлакат граждани паспортига унинг келиш-кетиши ёки ўтиши учун рухсат бериб қўядиган махсус белгиси; **получи́ть ~у** виза олмоқ; 2 бошлиқнинг ҳужжат устига ёзган кўрсатмаси, қайд белгиси; **поста́вить ~у** виза қўймоқ).

ВИЗАВИ́ 1 *нареч. книжн.* рўпара, рўбарў, юзма-юз, бетма-бет, қарама-қарши; **они́ сиде́ли ~** улар қарама-қарши ўтиришарди; 2 *м* и *ж нескл.* рўпарадаги (қаршидаги) киши; **мой ~ произнёс тост** қаршимдаги киши қадаҳ кўтариб сўз айтди.

ВИЗГ *м* 1 чийиллаш, чинқириш; ангиллаш, чийиллаган овоз, чинқириқ; анг-анг; **~ щенка́** кучукчанинг ангиллаши (анг-анги); 2 ғижирлаган ингичка (ўткир) овоз, ғижир-ғижир; **~ тормозо́в** тормозларнинг ўткир ғижир-ғижири.

ВИЗГЛИ́ВО *нареч.* 1 чинқириб, чийиллаб, ангиллаб; 2 ғичирлаб.

ВИЗГЛИ́В/ЫЙ, -ая, -ое 1 чийилдоқ, чинқироқ, ўткир; **~ го́лос** чийиллаган (ўткир) овоз; 2 ҳадеб чийиллайверадиган, чинқираверадиган, ангиллайверадиган; чийилдоқ, акилдоқ; **~ребёнок** акилдоқ бола.

ВИЗГОТНЯ *ж разг.* бақириқ-чақириқ, қий-чув.

ВИЗГУ́Н *м, р.* **-а́** *разг.* овози ўткир одам, чинқироқ, чийилдоқ, акилдоқ.

ВИЗГУ́НЬЯ *ж, р. мн.* **-ний** *см.* **визгу́н.**

ВИЗЖА́НИЕ *с* 1 *по гл.* **визжа́ть;** 2 *то же, что* **визг.**

ВИЗЖ/А́ТЬ *несов.* 1 чийилламоқ, чинқирмоқ, акилламоқ, ангилламоқ; **соба́ка ~и́т** ит ангиллаяпти; 2 ғижирламоқ.

ВИЗИ́Р *м* визир (1 *фото то же, что* **видоиска́тель;** 2 *воен.* нишонга оладиган асбоб қисми; 3 *астр. геод.* визирлаш асбоби).

ВИЗИ́РН/ЫЙ, -ая, -ое визирга, визирлашга оид; визир...; визирлаш...; **~ая ли́ния** визир чизиғи; **~ая лине́йка** визирлаш линейкаси.

ВИЗИ́РОВАНИЕ I *с по гл.* **визи́ровать** I; **~ па́спорта** паспортга виза қўйиш.

ВИЗИ́РОВАНИЕ II *с по гл.* **визи́ровать** II.

ВИЗИ́РОВАТЬ I *сов.* и *несов. (сов. также* **завизи́ровать**) *что* виза қўймоқ, виза (ижозат) бермоқ.

ВИЗИ́РОВАТЬ II *сов.* и *несов. что* визирламоқ (оптик ёки бурчак ўлчаш асбобини бирор нуқтага тўғриламоқ, жойнинг нуқтасини керакли асбоблар билан қараб белгиламоқ).

ВИЗИ́РЬ *м* вазир; **вели́кий ~** бош вазир, вазири аъзам.

ВИЗИ́Т *м* 1 визит, ташриф, пойқадам; қадам ранжида қилиш, йўқлаш; **~ ве́жливости** лутфан ташриф буюриш; **официа́льный ~** расмий визит; **прийти́ с ~ом** йўқлаб келмоқ; **нанести́ ~** ташриф буюрмоқ, қадам ранжида қилмоқ; 2 врачнинг беморни кўргани келиши.

ВИЗИТА́ЦИЯ *ж* 1 шубҳали кема ҳужжатларини текшириш; 2 *уст.* врачнинг беморларни айланиб кўриб чиқиши.

ВИЗИТЁР *м* ташриф буюрган (йўқлаб келган) киши, меҳмон.

ВИЗИ́ТКА *ж, р. мн.* **-ток** 1 визитка, кишилик кийим; 2 *разг.* **визитка,** визит карточкаси.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ВИЗИТН/ЫЙ, -ая, -ое визит учун белгиланган, кишилик; **~ое пла́тье** кишилик кийим; **~ая ка́рточка** ви́зит карточкаси; *см.* **ка́рточка.**

ВИЗУА́ЛЬНО *нареч.* кўз (ёки дурбин) билан; **~ не ви́димые це́ли** кўзга кўринмайдиган (кўз билан кўриб бўлмайдиган) нишонлар.

ВИЗУА́ЛЬНЫ/Й, -ая, -ое кўз (ёки дурбин) билан қараб қилинадиган; **~е наблюде́ния** кўз (ёки дурбин) билан кузатиш.

ВИ́КА *ж* вика, хашаки нўхат; **посевна́я ~** экиладиган хашаки нўхат.

ВИКА́РИЙ *м* викарий (1 православ черковида: архиерей ёрдамчиси, ўринбосари; 2 католик черковда: епископ ёки поп ёрдамчиси, ўринбосари).

ВИ́КИНГ *м* викинг (қадимги Скандинавияда ҳарбий денгиз аскари).

ВИ́КОВЫ/Й, -ая, -ое хашаки нўхатга оид; вика...; **~е зёрна** хашаки нўхат дони.

ВИКО́НТ *м* виконт (Англия, Франция ва баъзи бошқа мамлакатларда: барон билан граф ўртасидаги дворянлик унвони).

ВИКОНТЕ́ССА *ж* виконт хотини ёки қизи.

ВИКТОРИ́НА *ж* викторина (савол-жавоб ўйини).

ВИКТО́РИЯ *ж* виктория (1 баъзи сабзавот ва полиз ўсимликлари навига берилган ном; 2 барглари катта-катта, йирик гулли ўтсимон сув ўсимлиги).

ВИКУ́НЬЯ *ж, р. мн.* **-ний** *то же, что* **вигóнь** 1.

ВИЛАЙЕ́Т *м* вилоят, музофот.

ВИ́ЛКА *ж, р. мн.* **-лок** 1 вилка, санчқи; 2 *спец.* вилка (учи айри асбоб); **штéпсельная ~** штепсель вилкаси; **велосипе́дная ~** вилосипед вилкаси; 3 *воен.* вилка, чатал; **захвати́ть цель в ви́лку** нишонни вилкага (чаталга) олмоқ; 4 *шахм.* вилка (икки сипоҳнинг бир сипоҳ ҳамласи остида бўлган ҳолати); **конева́я ~** от вилкаси (от билан икки сипоҳга ҳамла қилиш); **пе́шечная ~** пиёда вилкаси (пиёда билан икки сипоҳга ҳамла қилиш).

ВИ́ЛЛА *ж* вилла (боғли кошона).

ВИЛО́К *м, р.* **-лка́** бош (ўралган карам); **~ капу́сты** бир бош карам.

ВИЛООБРА́ЗНЫЙ, -ая, -ое айрига ўхшаш, айри.

ВИЛТ *м* вилт (ғўзанинг оқпалак касаллиги).

ВИ́Л/Ы *мн.* айри, паншаха; ✦ **~ами на воде́ пи́сано** пуч гап, хомхаёл, бўлиши гумон нарса.

ВИЛЬНУ́ТЬ *сов.* 1 *см.* **вили́ть** 1; **~хвосто́м** думини ликиллатиб қўймоқ; 2 лип этиб бир томонга ўтмоқ, шартта бурилиб кетмоқ; 3 *разг.* кескин бурилмоқ (йўл, дарё ва ш. к. ҳақида).

ВИЛЯ́НИЕ *с* 1 ликиллатиш; 2 *перен. разг.* айёрлик, ўзини олиб қочиш, чап бериш.

ВИЛЯ́ТЬ *несов.* 1 (*сов.* **вильну́ть**) *чем* ликиллатмоқ; **бежа́ть, виля́я хвосто́м** думини ликиллатиб чопмоқ; 2 ликилламоқ, жилпангламоқ; 3 биланглаб (эгри-бугри, илон изи йўлдан) юрмоқ; гоҳ у ёққа-гоҳ бу ёққа бурилмоқ; 4 *перен. разг.* чап бермоқ, ўзини олиб қочмоқ, айёрлик (муғомбирлик) қилмоқ; ✦ **~ хвосто́м** *прост.* 1) ялтоқланмоқ, хушомад (лаганбардорлик) қилмоқ; 2) айёрлик (муғомбирлик) қилмоқ.

ВИН/А́ *ж* 1 айб, гуноҳ; ёзиқ, жиноят; **призна́ть свою́ ~у́** ўз айбини бўйнига олмоқ, ўз айбига иқрор бўлмоқ; **загла́дить свою́ ~у́** ўз айбини юмшатмоқ (ювмоқ); **поста́вить кому́-л. в ~у́** айбламоқ, айб қўймоқ, айбга буюрмоқ; 2 сабаб, боис, каср, касофат; ✦ **по ~е́** *кого-чего* айби билан, сабабли, туфайли; касрига, касофатига; **по ~е́ непого́ды** обҳавонинг ёмонлиги туфайли.

ВИНЕГРЕ́Т *м* 1 винегрет; 2 *перен.* аралаш-қуралаш нарса, мошкичири.

ВИ́НИ *мн. прост.* қарға (қартада)

ВИНИ́ТЕЛЬНЫЙ: ~ паде́ж тушум келишиги.

ВИНИ́ТЬ *несов. кого-что* айбламоқ, гуноҳкор қилмоқ, айб қўймоқ, айбга буюрмоқ, айбситмоқ.

ВИНИ́ТЬСЯ *несов. в чём уст.* и *прост.* ўзини айбдор ҳисобламоқ, айбини бўйнига олмоқ, айбига иқрор бўлмоқ.

ВИННОКА́МЕНН/ЫЙ: ~ая кислота́ табиий вино кислотаси.

ВИ́ННЫЙ, -ая, -ое винога оид; винобоп; виноли, шаробли; вино...; шароб...; **~ый за́пах** вино ҳиди; **~ый заво́д** вино заводи; **~ый спирт** вино спирти; **~ые сорта́ виногра́да** узумнинг винобоп навлари; ✦ **~ая я́года** анжир; анжир қоқи.

ВИНО́ *с, мн.* **ви́на** 1 вино, мусаллас, май, шароб, бода; **виногра́дное ~** узум виноси; **столо́вое ~** оқ (спирт аралашмаган) вино; **кра́сное столо́вое ~** қизил (спирт аралашмаган) вино; **сухо́е ~** спиртсиз вино; **деше́ртное ~** десерт (ширин) вино; 2 *прост.* арақ, ичкилик.

ВИНОВА́ТО *нареч.* ўзини айбдор ҳис қилиб, айбига иқрор бўлиб, айбдордек, гуноҳкорона; **~ потупи́ться** айбига иқрор бўлиб, бошини қуйи солмоқ, кўзни ерга тикмоқ.

ВИНОВА́ТОСТЬ *ж* 1 айбдорлик, гуноҳкорлик; 2 ўз айбини ҳис қилиш, ўзини гуноҳкор сезиш.

ВИНОВА́Т/ЫЙ, -ая, -ое 1 айбли, ёзиқли, зомин, айбдор, гуноҳкор; **я ~ пе́ред ва́ми** сизнинг олдингизда айбдорман (ёзиқлиман); **в э́том ~ы вы** бунга сиз айбдорсиз (зоминсиз); **без вины́ ~ый** гуноҳсиз гуноҳкор, айбсиз айбдор, қуруқ туҳматга қолган; 2 айбдорлик ҳиссини ифодаловчи, гуноҳкорона; **~ый взгляд** гуноҳкорона қараш; 3 сабабчи, сабабкор; **Во всём ~ мой расска́з о доро́ге** (Горбатов) Ҳаммасига менинг йўл ҳақидаги ҳикоям сабабчи (сабаб бўлди); ✦ **~ (~а)** афв этасиз, кечирасиз, узр.

ВИНОВНИ́К *м* 1 айбдор, гуноҳкор, мужрим; **~ престу́пле́ния** жиноят айбдори; 2 сабабчи, сабабкор; **~ торжества́** тантана сабабчиси.

ВИНО́ВНИЦА *ж см.* **вино́вник.**

ВИНО́ВНОСТЬ *ж* айбдорлик, гуноҳкорлик.

ВИНО́ВН/ЫЙ, -ая, -ое; -вен, -вна 1 айбли, ёзиқли, зомин, айбдор; **призна́ть ~ым** айбли (айбдор) деб топмоқ; 2 *в знач. сущ.* **~ый** *м;* **~ая** *ж* айбдор; **допро́с ~ого** айбдорни сўроқ қилиш.

ВИНОГРА́Д *м* 1 ток; 2 *собир.* узум; **сбор ~а** узум узиш; **урожа́й ~а** узум ҳосили.

ВИНОГРА́ДАРСКИЙ, -ая, -ое соҳибкорликка ва соҳибкорга оид; соҳибкорлик...; узумчилик...; токчилик...; **~ совхо́з** узумчилик совхози.

ВИНОГРА́ДАРСТВО *с* 1 токчилик, узумчилик, соҳибкорлик; 2 узумчилик (фан соҳаси).

ВИНОГРА́ДАРЬ *м* токчи (узумчи) боғбон, соҳибкор.

ВИНОГРА́ДИНА *ж* узум донаси, ғужуми.

ВИНОГРА́ДИНКА *ж уменьш. от* **виногра́дина.**

ВИНОГРА́ДНИК *м* токзор, узумзор.

ВИНОГРА́ДН/ЫЙ, -ая, -ое узумга (токка) оид; узумдан қилинган; узум...; **~ая лоза́** ток новдаси; **~ая гроздь** узум боши; **~ый сок** узум шарбати (суви); **~ое вино́** узум виноси (мусаллас); **~ый са́хар** узум шакари.

ВИНОДЕ́Л *м* вино (мусаллас) солувчи (қилувчи); винопаз.

ВИНОДЕ́ЛИЕ *с* вино (мусаллас) солиш (қилиш), вино ишлаб чиқариш, виночилик, винопазлик.

ВИНОДЕ́ЛЬНЫЙ, -ая, -ое виночиликка, вино ишлаб чиқаришга оид; виночилик...; винопазлик...

ВИНОДЕ́ЛЬЧЕСКИЙ, -ая, -ое винопазга ва винопазликка оид; виночилик...; винопазлик...

ВИНОКУ́Р *м* спирт (арақ) ишлаб чиқарувчи киши, спирт (арақ) тортувчи.

ВИНОКУРЕ́НИЕ *с* спирт (арақ) ишлаб чиқариш, спирт (арақ) тортиш.

ВИНОКУРЕ́ННЫЙ, -ая, -ое спирт (арақ) ишлаб чиқаришга оид; спирт..., арақ...; **~ заво́д** арақ заводи

ВИНОКУ́РНЯ *ж, р. мн.* **-рен** *уст.* спирт (арақ) ишлаб чиқарадиган (тортадиган) корхона.

ВИНОТОРГО́ВЕЦ *м, р.* **-вца** майфуруш, винофуруш.

ВИНОТОРГО́ВЛЯ *ж* майфурушлик, винофурушлик.

ВИНОЧЕ́РПИЙ *м* 1 *ист.* шарбатдор; 2 *шутл.* соқий, косагул.

ВИНТ I *м, р.* **-а́** 1 винт, бурама мих; мурват; **голо́вка ~а́** винт каллаги; **установо́чный ~** ўрнатиш винти; **крепёжный ~** мустаҳкамлаш винти; 2 *спец.* винт, паррак; пропеллер; **двухло́пастный ~** икки куракли винт (пропеллер); 3 *в знач. нареч.* **~о́м** *разг.* буралиб, буралиб-буралиб; **дым поднима́ется ~о́м** тутун буралиб-буралиб кўтарилмоқда.

ВИНТ II *м* винт (карта ўйинининг бир хили).

www.ziyouz.com kutubxonasi

ВИНТИК *м* 1 винтча, кичкина винт; 2 *перен.* узвий қисм, тафсилот; аъзо; ✦ **~ов (в голове́) не хвата́ет** *у кого* бир ҳайнови ичида, бир винти кам (етишмайди), кирарли-чиқарли.

ВИНТИ́ТЬ I, -нчу́, -нти́шь *несов. что разг.* бурамоқ, винтламоқ, бураб киргизмоқ.

ВИНТИ́ТЬ II, -нчу́, -нти́шь *несов. разг.* винт ўйнамоқ (қартада).

ВИНТОВАЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое *то же, что* **винторе́зный; ~ая доска́** винт резбасини қиладиган асбоб.

ВИНТОВКА *ж, р. мн.* **-вок** винтовка (сойли милтиқ).

ВИНТОВ/ОЙ, -а́я, -о́е 1 винтга оид; винтли; винт...; **~а́я переда́ча** винтли узатма; 2 винтлаб, маҳкамлаб, винтланган; **~о́й стул** винтли (винтланган) стул; 3 винт (спираль) шаклидаги, бурама; **~а́я наре́зка** винт нарезкаси, спираль нарезка; **~а́я ле́стница** айланма (бурама) зина; 4 винтли, парракли; пропеллерли; **~о́й парохо́д** парракли пароход.

ВИНТОВОЧНЫЙ, -ая, -ое винтовкага, милтиққа оид; винтовка...; **~ затво́р** винтовка затвори.

ВИНТОМОТО́РН/ЫЙ: ~ый самолёт винт-моторли самолёт (ички ёнув двигатели ва винти бўлган самолёт); **~ая установка** *ав.* винт-моторли установка (самолётнинг ички ёнув двигатели ва винтдан иборат установкаси).

ВИНТООБРАЗНЫЙ, -ая, -ое; -зен, -зна спиралга (винтга) ўхшаш, винтсимон, спираль, бурама.

ВИНТОРЕ́ЗНЫЙ, -ая, -ое винт кесадиган (ясайдиган); **~ стано́к** винт кесадиган (ясайдиган) станок.

ВИНЦО́ *с ласк. от* **вино́** шароб, май, вино.

ВИНЧЕ́СТЕР *м* винчестер (ов милтиғининг бир тури).

ВИНЬЕ́ТКА *ж, р. мн.* **-ток** виньетка (китобнинг бош ва охирги саҳифасига солинган гул).

ВИОЛА *ж* виола (скрипкасимон музика асбоби).

ВИОЛОНЧЕЛИ́СТ *м* виолончелчи, виолончель чалувчи.

ВИОЛОНЧЕЛИ́СТКА *ж, р. мн.* **-ток** *см.* **виолончели́ст.**

ВИОЛОНЧЕ́ЛЬ *ж* виолончель (скрипкасимон катта музика асбоби).

ВИОЛОНЧЕ́ЛЬНЫЙ, -ая, -ое виолончелга оид; виолончель...

ВИ́РА I *ж ист.* товон, хун ҳақи.

ВИРА II *межд.* вира, юқори кўтар (такелажчилар, юк ортувчилар тилида).

ВИРА́Ж I *м, р.* **-а́** 1 вираж, бурилиш, эгри чизиқ бўйлаб юриш, учиш; **крутой́ ~** кескин вираж, кескин бурилиш; 2 *спорт.* қия йўл (ички тарафга қияроқ айланма йўл).

ВИРА́Ж II *м фото* вираж (фотосуратга ранг берувчи махсус химиявий эритма).

ВИРА́ЖНЫЙ I, -ая, -ое *прил. от* **вира́ж** I.

ВИРА́ЖНЫЙ I, -ая, -ое *прил. от* **вира́ж** II.

ВИРА́Ж-ФИКСА́Ж *м фото* вираж-фиксаж, фиксажли вираж.

ВИРА́Ж-ФИКСА́ЖНЫЙ, -ая, -ое вираж-фиксажга оид, вираж-фиксаж...

ВИРТУО́З *м* 1 юксак маҳоратли санъаткор, артист; 2 ўз ишига моҳир одам, уста.

ВИРТУО́ЗНО *нареч.* юксак маҳорат билан, моҳирона, санъаткорона.

ВИРТУО́ЗНОСТЬ *ж* юксак маҳорат, моҳирлик, усталик.

ВИРТУО́ЗН/ЫЙ, -ая, -ое; -зен, -зна 1 юксак маҳоратли, маҳорат чўққисини эгаллаган, моҳир, уста; **~ый скрипа́ч** юксак маҳоратли скрипкачи; 2 юксак маҳорат талаб қилинган; маҳорат билан бажарилган; **~ое исполне́ние** маҳорат билан ижро этиш, маҳоратли ижро.

ВИРУЛЕ́НТНОСТЬ *ж* вирулентлик (касал юқтириш, тарқатиш хусусияти).

ВИРУЛЕ́НТНЫЙ, -ая, -ое вирулент (касал қилувчи, юқтирувчи, тарқатувчи).

ВИ́РУС *м* вирус (юқумли касалликни қўзғатувчи, юқтирувчи микроорганизм); **~ гри́ппа** грипп вируси.

ВИРУСНЫ/Й, -ая, -ое вирусга оид; вирус орқали юзага келадиган, ўтадиган; вирусли; **~е боле́зни** вирус орқали юзага келадиган (ўтадиган, тарқаладиган) касалликлар.

ВИРУСОЛОГИ́Я *ж* вирусология (микробиологиянинг вируслар ҳақидаги бўлими).

ВИРШИ *мн.* 1 вирши (17—18-асрларда рус ва украин адабиётида силлабик вазнда ёзилган шеърлар); 2 *ирон.* нўноқ, бўлар-бўлмас шеърлар.

ВИС *м спорт.* осилиш, осилиб туриш (туришда, гимнастика ҳалқасида).

ВИСЕ́ЛИЦА *ж* дор.

ВИСЕ́ЛЬНИК *м ист.* 1 дорга осилган одам; 2 *разг. бран.* ярамас, аблаҳ, дор тагидан қочган.

ВИС/ЕТЬ, вишу́, виси́шь *несов.* 1 осилиб турмоқ, илиниб турмоқ; осилган (илинган, осиғлиқ) бўлмоқ; **ла́мпа ~и́т над столо́м** лампа стол устида осилиб туринти; **объявле́ние ~и́т на стене́** эълон деворга осилган; 2 осилиб тушмоқ; солинмоқ, солиниб турмоқ; **во́лосы ~я́т** сочлари осилиб тушиб турибди; 3 *на ком-чём разг.* ҳалпиллаб турмоқ, қопдек осилиб турмоқ (кийим ҳақида); **пальто́ ~и́т на нём** *разг.* унинг эгнидаги пальтоси қопдек осилиб (ҳалпиллаб) турипти; унинг пальтоси ёпишманти; 4 муаллақ қотиб турмоқ, қимир этмай турмоқ (парвоздаги нарсалар, шунингдек қуёш, булут ва ш. к. ҳақида); **го́лубь неподви́жно ~и́т в во́здухе** ўйноқи кантар осмонда қотиб (қимир этмай) турибди; 5 *прост.* осилиб олмоқ (қолмоқ), осилиб турмоқ; **~е́ть на подно́жке трамва́я** трамвай зинасида осилиб турмоқ; 6 *над кем-чем* осилиб турмоқ, туртиб чиқиб турмоқ; **утёс ~и́т над мо́рем** қоя денгиз томон осилиб турибди (туртиб чиққан); 7 *перен. над кем-чем* хавф-хатар (таҳдид) остида қолмоқ; **над ни́ми ~и́т опа́сность** улар хавф остида турибди; улар хавф-хатар таҳдиди остида; ✦ **~е́ть на волоске́ (на ни́точке)** қил устида турмоқ; **~е́ть в во́здухе** *прост.* 1) оқибатсиз (осилиб) қолмоқ; 2) на у ёқлик, на бу ёқлик бўлмай (аросатда) қолмоқ; **~е́ть на телефо́не** телефонга ёпишиб ётмоқ, телефондан нари кетмаслик; **~е́ть на плеча́х** изма-из қувмоқ, кетидан қолмай қувиб бормоқ; **~е́ть на ше́е** *см.* **ше́я.**

ВИ́СКИ *с нескл.* виски (инглиз арағи).

ВИСКО́ЗА *ж* вискоза (сунъий тола ва целлофан тайёрлаш учун ишлатиладиган модда).

ВИСКО́ЗНЫЙ, -ая, -ое вискозага оид; вискозадан қилинган; вискоза...; **~ шёлк** вискозадан тўқилган шойи.

ВИСЛОЗА́ДЫЙ, -ая, -ое думбаси осилган, орқаси (қуйруқ томони) суйри; **~ конь** орқаси (қуйруқ томони) суйри от.

ВИСЛОУ́ХИЙ, -ая, -ое 1 қулоқлари осилган, шалпанг-қулоқ; **~щено́к** шалпангқулоқ кучук боласи; 2 *прост. бран.* аңқов, меров, овсар.

ВИСМУТ *м* висмут (химиявий элемент ва ундан тайёрланган дори).

ВИСНУТ/Ь *несов. (сов.* **повиснуть**) *разг.* 1 осилиб турмоқ, осилиб тушмоқ, солинмоқ; 2 муаллақ осилиб турмоқ; **ту́чи ~ над мо́рем** денгиз устида қора булутлар осилиб турибди; 3 *на ком-чём* осилиб қолмоқ; **опа́вшие ли́стья ~ на желе́зных зу́бьях огра́д** тўкилган барглар темир панжараларнинг тишларига осилиб қолган; ✦ **~ь на ше́е** *у кого см.* **ше́я.**

ВИСО́К *м, р.* **-ска́** чакка.

ВИСОКО́СНЫЙ: ~ год кабиса йил.

ВИСО́ЧН/ЫЙ, -ая, -ое *анат.* чаккага оид; чаккадаги; чакка...; **~ая ко́сть** чакка суяги.

ВИСТ *м* вист (1 карта ўйинининг бир хили; 2 шу ўйинда бир қўлга чиққан ютуқли карталар).

ВИСТОВА́ТЬ, -ту́ю, -ту́ешь *несов.* вист демоқ, дов келмоқ (карта ўйинида).

ВИСЮЛЬК/А *ж, р. мн.* **-лек** осилмачоқ; шокила; **~и лю́стры** люстра (қандил) осилмачоқлари (шокилалари).

ВИСЯЧ/ИЙ, -ая, -ее осма, осилиб турадиган, осиб қўйиладиган; муаллақ; **~ая ла́мпа** осилиб турадиган (осиб қўйиладиган) лампа, осма лампа; **~ий замо́к** осма қулф; **~ий мост** осма кўприк.

ВИТАЛИ́ЗМ *м биол.* витализм (ҳаётий процесслар моддий сабабларга эмас, балки илоҳий кучларга боғлиқ деб даъво қилувчи идеалистик оқим).

ВИТАЛИ́СТ *м* виталист, витализм тарафдори.

ВИТАЛИСТИ́ЧЕСКИЙ, -ая, -ое витализмга оид, витализм руҳидаги.

ВИТАМИ́Н *м* витамин.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ВИТАМИНИЗА́ЦИЯ *ж* витаминлаш, витаминга бойитиш.

ВИТАМИНИЗИ́РОВАТЬ *сов.* и *несов. что* витаминламоқ, витаминга бойитмоқ.

ВИТАМИ́ННЫЙ, -ая, -ое витаминга оид; витаминли; витамин...; ~ **заво́д** витамин заводи; ~**препара́т** витаминли препарат.

ВИТАМИНО́ЗН/ЫЙ, -ая, -ое витаминга бой, сервитамин; ~**ая пи́ща** сервитамин овқат.

ВИТА́ТЬ *несов.* 1 *уст.* яшамоқ, истиқомат қилмоқ, юрмоқ; 2 айланиб юрмоқ, ўралашмоқ, мавжуд (бор) бўлмоқ; уфурмоқ; **за́пах по́роха ~л над бойца́ми** жангчилар устида порох ҳиди уфуриб турар эди; **смерть ~ет над ним** ажал унинг устида айланиб (ўралашиб) юрипти; ✦ **~ть в облака́х** (или **в эмпире́ях**) или **~ть ме́жду не́бом и землёй** хаёл осмонида (кўкларда) учмоқ, хаёлга берилмоқ, хаёлпарастлик қилмоқ.

ВИТИЕВАТО *нареч.* оҳанжамадор (тамтароқли) қилиб, сўзга пардоз (зеб) бериб, фасоҳат билан.

ВИТИЕВА́ТЫЙ, -ая, -ое оҳанжамадор, дабдабали, тамтароқли, фасоҳатли, баландпарвоз.

ВИТИ́ЙСТВО *с книжн. уст.* сухандонлик, гапдонлик, сўзамоллик, гапга чечанлик, нотиқлик.

ВИТИ́ЙСТВОВАТЬ *несоз. книжн. уст.* сухандонлик қилмоқ, гапдонлик (сўзамоллик) қилмоқ, гапга зеб бермоқ.

ВИ́ТИЯ *м уст. поэт.* сухандон, гапдон, нотиқ, сўзамол.

ВИТ/О́Й, -а́я, -о́е 1 эшилган, ўрилган, бураган, буралма, гажак; 2 айланма, бурама; ~**а́я ле́стница** айланма (бурама) зина.

ВИТО́К *м, р.* **-тка́** 1 бир бурам, бир ўрам; **витки́ спира́ли** спираль ўрамлари; 2 ҳалқа, калава, қанғал; ~ **про́волоки** сим ўрами, бир ўрам сим; 3 бир айланиш; ~ **косми́ческого корабля́ вокру́г Земли́** космик кеманинг Ер атрофида бир айланиши.

ВИТРА́Ж *м, р.* **-а́** витраж (сурат соладиган рангли ойна).

ВИТРА́ЖНЫЙ, -ая, -ое витражга оид; витраж...

ВИТРИ́НА *ж* витрина; ~ **магази́на** магазин витринаси; **на ~х музе́я** музей витриналарида.

ВИТТО́В: ~**а пля́ска** асабий титроқ (бадан учиш) касаллиги; хореянинг бир тури.

ВИТЬ, вью, вьёшь *несов.* (*сов.* **свить**) 1 *что* эшмоқ, ўрмоқ, чирамоқ, пишитмоқ; тўқимоқ; ~ **верёвку** арқон эшмоқ; ~ **венки́** гулчамбар тўқимоқ; ~ **гнездо́** уя (ин) тўқимоқ (қурмоқ, солмоқ); 2 жилпанглатмоқ, ликиллатмоқ, ўйнатмоқ (гавдани ёки унинг бирор аъзосини); ✦ ~ **верёвки** *из кого разг.* бурнидан ип боғлаб (ўз измига солиб) олмоқ, истаган мақомига ўйнатмоқ, гаҳ деса қўлга қўнадиган қилиб қўймоқ.

ВИ́ТЬЁ *с по гл.* **вить**; ~ **гнёзд** уя тўқиш (қўйиш, солиш).

ВИ́ТЬСЯ, вью́сь, -вьёшься *несов.* 1 аймашмоқ, чирмашмоқ, ўралмоқ, чирмалмоқ; **повили́ка вьётся по ве́ткам** чирмовиқ дарахт шохларига ўралиб (аймашиб, чирмашиб) ўсади; 2 жингалакланмоқ, жингалак (гажак) бўлмоқ; **у неё во́лосы вью́тся от приро́ды** унинг сочлари табиатан (туғилишдан) жингалак; 3 айланиб (илон изи, иланг-биланг бўлиб) кетмоқ; **ручёй вьётся по скло́ну горы́** жилға тоғ бағрида иланг-биланг бўлиб оқмоқда; 4 гир-гир (чир-чир) айланиб, бураліб учмоқ. кўтарилмоқ; **пыль вьётся** чанг-тўзон айланиб (бураліб) кўтарилмоқда; **дым вьётся** тутун бурқиб-ўралиб (буралиб-буралиб) чиқмоқда; **орёл вьётся над горо́й** бургут тоғ устида гир айланиб учмоқда; 5 *страд. от.* **вить.**

ВИТЮТЕНЬ *м* говкантар.

ВИТЯ́ЗЬ *м* ботир жангчи, баҳодир, паҳлавон, алп.

ВИХЛЯ́Й *м* йўргатувадоқ (қуш).

ВИХЛЯ́ТЬ *несов. прост.* 1 каловланмоқ, гандиракламоқ, лапанглаб (ёки каловлаб) юрмоқ; 2 *чем* силкитмоқ, тебратмоқ.

ВИХЛЯ́ТЬСЯ *несов. прост. то же, что* **вихля́ть** 1.

ВИХО́Р *м, р.* **-хра́** тиккайган соч, тепа соч; **отодра́ть за вихры́** тепа сочларидан тортмоқ.

ВИ́ХОРЬ *м уст.* и *прост. то же, что* **вихрь** 1.

ВИ́ХРАСТЫЙ, -ая, -ое 1 тиккайган (соч ҳақида); 2 сочи тиккайган, тиккайган сочли.

ВИХРЕВ/О́Й, -а́я, -о́е довулли, гирдобли; уюрмалаган, уюрма; ~**о́е движе́ние** *физ.* уюрма ҳаракат.

ВИ́ХРИТЬ и **ВИХРИ́ТЬ** *несов.* (*сов.* **завихри́ть**) *кого-что* и *без доп.* уюрмалантирмоқ.

ВИХР/Ь *м* 1 уюрма, қуюн, гирдоб, гирдибод, гирват, довул, уюрмали қаттиқ шамол, бўрон; **сне́жные ~и** қор уюрмалари; **Внеза́пный ~ь закрути́л и погна́л по доро́ге столбы́ пы́ли** (Куприн) Бирдан кўтарилган уюрмали шамол йўл бўйлаб чанг гирдобларини кўтариб олиб кетди; 2 *перен. чего* гирдоб; шиддатли ҳаракат, оқим; ~**ь революцио́нных собы́тий** революцион воқеалар гирдоби; 3 *в знач. нареч.* **ви́хрем** жуда тез, шиддат билан.

ВИ́ЦЕ-АДМИ́РАЛ *м* вице-адмирал.

ВИ́ЦЕ-КО́НСУЛ *м* вице-консул.

ВИ́ЦЕ-ПРЕЗИДЕ́НТ *м* вице-президент.

ВИЦМУНДИ́Р *м* вицмундир (чор Россиясида: чиновникларнинг формали кийими).

ВИ́ШЕНКА *м уменьш.-ласк. от* **ви́шня.**

ВИ́ШЕННИК *м* 1 олчазор; 2 ёввойи олча.

ВИШНЁВКА *ж* вишневка, олча настойкаси (олча солинган вино ёки арақ).

ВИШНЁВ/ЫЙ, -ая, -ое 1 олчага оид; олчадан қилинган; олча...; ~**ая ко́сточка** олча данаги; ~**ый сок** олчанинг суви; ~**ое варе́нье** олча мураббоси; 2 тўқ қизил ранг, олча ранг; ~**ый цвет** тўқ қизил ранг.

ВИ́ШНЯ *ж, р. мн.* **-шен** 1 олча (дарахти); 2 *собир.* олча (меваси).

ВИШНЯ́К *м, р.* **-а́** *обл. то же, что* **ви́шенник.**

ВИШЬ *частица обл.* и *прост.* 1 мана, ана, қара; кўрдингми, кўряпсанми; — **Переста́нь** [петь], **Ефи́м,— говори́л оди́н ямщи́к,** — ~ **больно́й лежи́т** (Н. Успенский) — Қўй (ашуланғни), Ефим,— дедя ямщиклардан бири,— кўряпсанми, касал ётипти; 2 таажжуб, норозилик, нафрат ва ш. к. маъноларни билдиради; ~, **что вы́думал!** қаранг-а, нима ўйлаб чиқарипти; ~ **он како́й!** уни қаранг(лар)-а!; 3 *в знач. вводн. сл.* биласанми, биласизми; мен сенга (сизга) айтсам, агар билсангиз; ✦ ~**ты** қара-я, қаранг-а; сени қараю.

ВКАЛЫВАТЬ *несов.* 1 *см.* **вколо́ть**; 2 *прост.* тинмай (ўлиб-қутулиб) ишламоқ, тер тўкмоқ.

ВКА́ЛЫВАТЬСЯ, -**ается** *несов.* 1 *см.* **вколо́ться**; 2 *страд. от* **вка́лывать** I.

ВКАПА́ТЬ *сов* (*несов.* **вка́пывать** II) *что разг.* томизмоқ, томизиб қўймоқ.

ВКАПНУ́ТЬ *сов.* и *однокр. см.* **вка́пывать** II.

ВКА́ПЫВАТЬ I *несов. см.* **вкопа́ть.**

ВКА́ПЫВАТЬ II *несов. см.* **вка́пать.**

ВКА́ПЫВАТЬСЯ I *несов.* 1 *см.* **вкопа́ться**; 2 *страд. от* **вка́пывать** I.

ВКА́ПЫВАТЬСЯ II *несов. страд. от* **вка́пывать** II.

ВКАРАБКАТЬСЯ *сов.* тирмашиб чиқмоқ, ўрмалаб (судралиб) чиқиб олмоқ.

ВКАТА́ТЬ *сов. что во что разг.* думалата-думалата киргизмоқ.

ВКАТИ́ТЬ, вкачу́, вка́тишь *сов.* 1 (*несов.* **вка́тывать**) *что во что* думалатиб киргизмоқ (ёки юқорига чиқармоқ); 2 (*несов.* **вка́тывать**) *что прост.* боплаб туширмоқ, тўсатдан солиб қолмоқ; боплаб қўймоқ; шартта бермоқ; ~ **пощёчину** тарсаки қўйиб қолмоқ, тарсаки тортиб юбормоқ; ~ **двойку** боплаб икки қўймоқ; ~ **выговор** шартта выговор бермоқ; 3 *прост.* бостириб кирмоқ (келмоқ), чиқиб кетмоқ; **волна́ вкати́ла на при́стань** тўлқин пристанга бостириб кирди (келди); тўлқин пристанга чиқиб кетди.

ВКАТИ́ТЬСЯ, вкачу́сь, вка́тишься *сов.* (*несов.* **вка́тываться**) 1 думалаб (ғилдираб) кирмоқ (ёки юқорига чиқмоқ); 2 югурганча (ғириллаб) кириб келмоқ, ўқмолича кирмоқ.

ВКА́ТЫВАТЬ *несов. см.* **вкати́ть** 1, 2.

ВКА́ТЫВАТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **вкати́ться**; 2 *страд. от* **вка́тывать.**

ВКАЧА́ТЬ *сов.* (*несов.* **вка́чивать**) *что* насос билан дам бермоқ (ёки тўлдирмоқ); ~ **во́здух в ка́меру** камерага насос билан дам бермоқ; ~ **бензи́н в бак** насос билан тортиб (ҳайдаб) бакни бензинга тўлдирмоқ.

ВКА́ЧИВАТЬ *несов. см.* **вкача́ть.**

www.ziyouz.com kutubxonasi

ВКИДА́ТЬ *сов. что* ирғитиб ичига туширмоқ; отиб-отиб жойламоқ, юкламоқ.

ВКИ́ДЫВАТЬ *несов. см.* **вки́нуть и вкида́ть.**

ВКИ́НУТЬ *сов. (несов.* **вки́дывать**) *что* ирғитиб ичига туширмоқ, ичига ташламоқ.

ВКЛА́Д *м* 1 *по гл.* **вкла́дывать** и **вложи́ть**; 2 банкка (ёки омонат кассага) қўйилган пул; омонат; **сро́чный ~** муддатли омонат (маълум муҳлатга қўйилган пул); 3 *перен.* қўшилган улуш, ҳисса; **це́нный ~ в нау́ку** фанга қўшилган муҳим ҳисса; 4 *уст.* иона; назр-ниёз.

ВКЛА́ДКА *ж* 1 *по гл.* **вкла́дывать**; 2 қўшимча варақа, илова; **цветна́я ~** рангли қўшимча варақа (илова).

ВКЛА́ДН/ОЙ, -а́я, -о́е 1 пул қўйишга оид; пул қўйиш билан боғланган; (омонат) қўйилган; пул қўйиш...; **~ы́е су́ммы** (омонат) қўйилган пуллар; **~ы́е опера́ции** пул қўйиш-олиш операцияси; 2 орасига қўйилган, илова қилинган, қўшимча; **~о́й лист** қўшимча варақа (орасига қўйилган) варақа.

ВКЛА́ДЧИК *м* пул қўйган киши, пул қўювчи, омонатчи.

ВКЛА́ДЧИЦА *ж см.* **вкла́дчик.**

ВКЛА́ДЫВАТЬ *несов. см.* **вложи́ть.**

ВКЛА́ДЫВАТЬСЯ, -ается *несов.* 1 *см.* **вложи́ться**; 2 *страд. от* **вкла́дывать.**

ВКЛА́ДЫШ *м* 1 *то же, что* **вкла́дка** 2; 2 *тех.* вкладиш (подшипник ва бошқа машина деталларининг алмашинувчи қисми).

ВКЛЕ́ИВАТЬ *несов. см.* **вкле́ить.**

ВКЛЕ́ИВАТЬСЯ, -ается *несов.* 1 *см.* **вкле́иться**; 2 *страд. от* **вкле́ивать.**

ВКЛЕ́ИТЬ *сов. (несов.* **вкле́ивать**) *что* 1 ичига (орасига) ёпиштирмоқ, ёпиштириб маҳкамламоқ; **~ лист в кни́гу** китоб ичига (орасига) варақ ёпиштирмоқ; 2 *перен. разг.* сўз қўшмоқ, қистирмоқ.

ВКЛЕ́ИТЬСЯ, -ится *сов. (несов.* **вкле́иваться**) ичига (орасига) ёпишмоқ, ёпишиб қолмоқ.

ВКЛЕ́ЙКА *ж, р. мн.* **вкле́ек** 1 *по гл.* **вкле́ить**; 2 орасига, ичига ёпиштирилган нарса.

ВКЛЕПА́ТЬ *сов. (несов.* **вклёпывать**) *что* 1 *тех.* парчинлаб ичига (орасига) маҳкамламоқ, ўрнатмоқ; 2 *перен. прост.* аралаштирмоқ; қотиштирмоқ, тортмоқ (ёмон ишга, жиноятга ва ҳ. к.).

ВКЛЕПА́ТЬСЯ *сов. (несов.* **вклёпываться**) 1 *тех.* ичига (орасига) парчинламоқ, парчинланиб маҳкам бўлмоқ; 2 *перен. прост.* аралашмоқ, қотишмоқ, аралашиб қолмоқ (ёмон ишга, жиноятга ва ҳ. к.), ўрганиб (одатланиб) қолмоқ.

ВКЛЁПЫВАТЬ *несов. см.* **вклепа́ть.**

ВКЛЁПЫВАТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **вклепа́ться**; 2 *страд. от* **вклёпывать.**

ВКЛИ́НИВАТЬ *несов. см.* **вкли́нить.**

ВКЛИ́НИВАТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **вкли́ниться**; 2 *страд. от* **вкли́нивать.**

ВКЛИ́НИТЬ и **ВКЛИНИТЬ** *сов. (несов.* **вкли́нивать**) *что* 1 пона қилиб қоқмоқ, орасига киргизмоқ, суқмоқ; **~ дощёчку в щель** тахтачани тирқишга пона қилиб қоқмоқ; 2 *перен. разг.* сўз (гап) қистирмоқ, ... деб сўзга аралашмоқ.

ВКЛИ́НИТЬСЯ и **ВКЛИНИТЬСЯ** *сов. (несов.* **вкли́ниваться**) *во что* 1 понадек қоқилмоқ, суқилиб кирмоқ; 2 ёриб кирмоқ; **~ в расположе́ние проти́вника** душман позициясига ёриб кирмоқ.

ВКЛЮЧА́ТЕЛЬ *м* включатель; **~ то́ка** ток включатели; **~ приёмника** приёмник включатели.

ВКЛЮЧА́ТЬ *несов.* 1 *см.* **включи́ть**; 2 ўз ичига олмоқ; қамраб олмоқ.

ВКЛЮЧА́ТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **включи́ться**; 2 *страд. от* **включа́ть.**

ВКЛЮЧА́Я 1 *деепр. от* **включа́ть**; 2 *предлог с вин.* қўшиб ҳисоблаганда, шу жумладан, ...билан бирга; **нас бы́ло пя́теро, ~ дете́й** болаларни қўшиб ҳисоблаганда, биз беш киши эдик.

ВКЛЮЧЕ́НИ/Е *с* 1 *по гл.* **включи́ть и включи́ться**; **после́довательное ~е ламп** лампаларни кетма-кет улаш; лампаларнинг кетма-кет **уланиши**; 2 *спец.* **бегона нарса**, аралашма; **шла́ковые ~я в отли́вке** қуймадаги шлак аралашмалар.

ВКЛЮЧИ́ТЕЛЬНО *нареч.* охиргисини ҳам қўшиб (**ичига олиб**); шу жумладан, ...гача (...лар ҳам); **по деся́тое октября́ ~** ўнинчи октябргача, ўнинчи октябрни ҳам қўшиб.

ВКЛЮЧИ́ТЬ *сов. (несов.* **включа́ть**) 1 *кого-что* киргизмоқ, киритмоқ, қўшмоқ, қўшиб қўймоқ; **~ но́вый пункт в догово́р** шартномага янги модда киритмоқ; **~ в спи́сок** рўйхатга киритмоқ (қўшмоқ, қўшиб қўймоқ, тиркамоқ); 2 *что* уламоқ, қўймоқ; **~ ток** токни уламоқ; **~ телеви́зор** телевизорни қўймоқ; **~ телефо́н** телефонни уламоқ; 3 *что* юргизмоқ, ишга солмоқ, ҳаракатга келтирмоқ; **~ мото́р** моторни юргизмоқ.

ВКЛЮЧИ́ТЬСЯ *сов. (несов.* **включа́ться**) 1 қўшилмоқ; аралашмоқ; **~ в соревнова́ние** мусобақага қўшилмоқ; **~ в разгово́р** гапга қўшилмоқ (аралашмоқ); 2 юрмоқ, уланмоқ, ишга тушмоқ, ҳаракатга келмоқ; **мото́р не включа́ется** мотор юрмаяпти.

ВКОВА́ТЬ, вкую́, вку́ешь *сов. (несов.* **вко́вывать**) чўкичлаб ичига (орасига) уламоқ, маҳкамламоқ, бириктирмоқ.

ВКОВА́ТЬСЯ, вку́ется *сов. (несов.* **вко́вываться**) чўкичланиб ичига (орасига) уланмоқ, маҳкамланмоқ, бирикмоқ.

ВКО́ВЫВАТЬ *несов. см.* **вкова́ть.**

ВКО́ВЫВАТЬСЯ, -ается *несов.* 1 *см.* **вкова́ться**; 2 *страд. от* **вко́вывать.**

ВКОЛА́ЧИВАНИЕ *с по гл.* **вкола́чивать**; **~ гвозде́й** михларни қоқиш.

ВКОЛА́ЧИВАТЬ *несов. см.* **вколоти́ть.**

ВКОЛОТИ́ТЬ, -очу́, -о́тишь *сов. (несов.* **вкола́чивать**) *что разг.* 1 қоқмоқ, қоқиб (уриб) киргизмоқ; **~ гвоздь в сте́ну** деворга мих қоқмоқ; 2 *прост.* гапираверіб (тушунтираверіб) миясига сингдирмоқ; қуймоқ; ✦ **~ себе́ в го́лову** *то же, что* **вбить себе́ в го́лову** *см.* **вбить.**

ВКОЛО́ТЬ *сов. (несов.* **вка́лывать**) *что* қадамоқ, санчмоқ, тўғнамоқ, тиқмоқ, суқмоқ; **~ иго́лку в шитьё** нинани тикилаётган нарсага санчмоқ; **~ цветы́ в причёску** сочига гул тақмоқ.

ВКОЛО́ТЬСЯ, вко́лется *сов. (несов.* **вка́лываться**) санчилмоқ, қадалмоқ, кирмоқ.

ВКОНЕ́Ц *нареч. разг.* бутунлай, тамомила, тамоман, батамом; миррасига тақалиб (ёки етказиб); **~ измучи́ть** *кого-л.* **вопро́сами** савол бераверіб тамоман чарчатмоқ.

ВКОПА́ТЬ *сов. (несов.* **вка́пывать** I) *что* чуқурга қўйиб (кўмиб) ўрнатмоқ; **~ столб в зе́млю** симёғочни ерга кўммоқ; ✦ **как (сло́вно, то́чно) вко́панный** қоққан қозиқдек.

ВКОПА́ТЬСЯ *сов. (несов.* **вка́пываться** I) 1 ковлаб кирмоқ; қазиб (ковлаб) кириб кетмоқ; 2 чуқур истеҳком ковлаб олмоқ.

ВКОРЕНИ́ТЬ *сов. (несов.* **вкореня́ть**) *что* томир (илдиз) оттирмоқ, ўрнатмоқ, ёймоқ, сингдирмоқ, расм-одат тусига киритмоқ.

ВКОРЕНИ́/ТЬСЯ, -и́тся *сов. (несов.* **вкореня́ться**) томир (илдиз) отмоқ, ўрнашмоқ, ёйилмоқ, сингмоқ, расм бўлмоқ, одат тусига кирмоқ, сингиб кетмоқ; **~ вшаяся привы́чка** ўрнашиб қолган (сингиб кетган) одат.

ВКОРЕНЯ́ТЬ *несов. см.* **вкорени́ть.**

ВКОРЕНЯ́ТЬСЯ, -я́ется *несов.* 1 *см.* **вкорени́ться**; 2 *страд. от* **вкореня́ть.**

ВКОСЬ 1 *нареч.* қиясига, қиямасига, қиялаб, қия қилиб; қийшиқ, эгри; бурчакма-бурчак; 2 *предлог с р.* қиясига; қиясида; ✦ **вкривь и ~** 1) эгри-бугри, қинғир-қийшиқ; бетартиб; у ёқдан-бу ёққа; **бу́квы шли вкривь и ~** ҳарфлар қинғир-қийшиқ ёзилган эди; 2) бузиб-ёриб, ҳар ким ҳар хил, оғизга келганча.

ВКРА́ДЧИВО *нареч.* сездирмасдан, тилёғламалик (мулойимлик) билан, тулкилик қилиб, силлиққина.

ВКРА́ДЧИВОСТЬ *ж* тилёғламалик, айёрлик, тулкилик, мулойимлик, силлиқлик.

ВКРА́ДЧИВЫ/Й, -ая, -ое 1 тилёғлама, айёр, тулки; **~й челове́к** айёр одам, тулки; **~е мане́ры** айёрлик (тулкилик, силлиқлик); сездирмасдан бировнинг ичига (пинжига) кириб ола билиш; 2 юмшоқ, майин, силлиқ; **~й го́лос** майин (юмшоқ) овоз; силлиқ оҳанг.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ВКРАДЫВАТЬСЯ *несов. см.* **вкра́сться.**

ВКРА́ПИТЬ, -плю, -пишь *сов. (несов.* **вкрапля́ть** и **вкра́пливать**) *что* 1 пуркамоқ, хол солмоқ, туширмоқ; 2 *перен.* ора-сира жойламоқ, сочмоқ.

ВКРА́ПЛЕНИ/Е *с* 1 *по гл.* **вкра́пить**; 2 ора-сира жойлашган бегона нарса; **~я серебра́** ора-сира жойлашган кумуш зарралари.

ВКРА́ПЛИВАНИЕ *с по гл.* **вкра́пливать.**

ВКРА́ПЛИВАТЬ *несов. см.* **вкра́пить.**

ВКРАПЛЯ́ТЬ *несов. см.* **вкра́пить.**

ВКРА́/СТЬСЯ, -аду́сь, -адёшься *сов. (несов.* **вкра́дываться**) 1 билдирмай (сездирмай) яшрининб кириб олмоқ; 2 *перен.* ногаҳон пайдо бўлмоқ, тушмоқ; **в ду́шу ~лось сомне́ние** юракка шубҳа тушди; 3 тасодифан кириб қолмоқ, ўтиб кетмоқ; **в ру́копись ~лась оши́бка** қўл ёзмада хато кетиб қолипти; қўл ёзмада хато ўтиб кетибди; ✦ **~сться в дове́рие** айёрлик билан пинжига кириб олмоқ, сездирмай ишончини қозонмоқ.

ВКРА́ТЦЕ *нареч.* хулоса қилиб, қисқача (қисқа, лўнда) қилиб.

ВКРЕПИ́ТЬ, -плю́, -пи́шь *сов. (несов.* **вкрепля́ть**) *что* ичига (орасига) маҳкамламоқ, ўрнатмоқ.

ВКРЕПИ́ТЬСЯ, -ится *сов. (несов.* **вкрепля́ться**) ичига (орасига) қўйилиб маҳкам бўлмоқ, ўрнашмоқ.

ВКРЕПЛЯ́ТЬ *несов. см.* **вкрепи́ть.**

ВКРЕПЛЯ́ТЬСЯ, -я́ется *несов.* 1 *см.* **вкрепи́ться**; 2 *страд. от* **вкрепля́ть.**

ВКРИВЬ *нареч. разг.* қийшайтириб, қинғир қилиб, қийшайиб, қийшиқ (эгри-бугри) бўлиб, қийшиқ, қиямасига; **берёза растёт ~** қайин қийшайиб ўсмоқда; ✦ **~ и вкось** *см.* **вкось.**

ВКРУГ 1 *нареч. уст. то же, что* **вокру́г**; 2 *предлог с р.* теварагида, атрофида.

ВКРУГОВУ́Ю *нареч.* 1 *разг.* айланасига, айлантириб, айланиб, давра олиб; **пусти́ть ку́бок ~** қадаҳни қўлма-қўл айлантириб узатмоқ; **е́хать ~** айланиб (айланма йўлдан) бормоқ; 2 *обл.* и *прост.* ўртача; тахминан.

ВКРУТИ́ТЬ, -учу́, -у́тишь *сов. (несов.* **вкру́чивать**) 1 *что во что разг.* бураб киргизмоқ; **~ ла́мпочку в патро́н** лампочкани патронга бураб киргизмоқ; 2 *что кому прост.* лақиллатмоқ, алдамоқ, аҳмоқ қилмоқ.

ВКРУТИ́ТЬСЯ, -у́тится *сов. (несов.* **вкру́чиваться**) *разг.* маҳкамланмоқ, бураліб кирмоқ.

ВКРУТУЮ *нареч.* қотириб, қаттиқ қилиб; **свари́ть яйцо́ ~** тухумни қаттиқ қилиб (қотириб) пиширмоқ.

ВКРУ́ЧИВАТЬ *несов. см.* **вкрути́ть.**

ВКРУЧИВАТЬСЯ, -ается *несов.* 1 *см.* **вкрути́ться**; 2 *страд. от* **вкру́чивать.**

ВКУ́ПЕ *нареч. книжн.* бирга, биргаликда, биргалашиб, тил бириктириб, гапни бир жойга қўйиб.

ВКУС *м* 1 таъмни (мазасини) сезиш, таъм сезгиси; **о́рганы ~а** таъм сезиш органлари; 2 таъм, маза, тот, лаззат; **го́рький ~** аччиқ таъм; **прия́тный на ~** хушмаза, хуштаъм; **име́ть ~** *чего-л.* бирор нарсанинг мазаси келмоқ; 3 дид, таъб; **то́нкий ~** нозик дид; **одева́ться со ~ом** дид билан кийинмоқ; **де́ло ~а** ҳар кимнинг диди бошқа, кимга у ёқади, кимга бу; 4 ҳавас, қизиқиш, иштиёқ; **~ к рабо́те** ишга бўлган ҳавас; 5 *разг.* услуб, тарз, йўсин, усул; **в восто́чном ~е** шарқ услубида; ✦ **войти́ во ~** мазасига тушунмоқ, мазахўрак бўлмоқ; *на чей ~* бирор кимсанинг дидича; **на мой ~** менинг дидимча; менинг дидимдаги; **по ~у** (быть, прийти́сь) *кому* кўнглидагидек бўлмоқ, дидига ёқмоқ, таъбига тўғри келмоқ.

ВКУСИ́ТЬ, вкушу́, вку́сишь *сов.* (*несов.* **вкуша́ть**) *что* и *чего* 1 *книжн. уст.* тотмоқ, емоқ, тановул қилмоқ; тотиб кўрмоқ; 2 *перен. высок.* кўрмоқ, бошдан кечирмоқ, тотмоқ; **~ сла́вы** шуҳрат гаштини тотиб кўрмоқ, шуҳрат мазасига тушунмоқ.

ВКУ́СНО *нареч.* 1 мазали қилиб, ширин (хушхўр) қилиб; **~ гото́вить** мазали қилиб пиширмоқ; 2 маза қилиб, иштаҳа билан; **~ есть** маза қилиб емоқ, иштаҳа билан емоқ.

ВКУ́СН/ЫЙ: -ая, -ое; -сен, -сна́, -сно мазали, лаззатли, тотли, ширин, хушхўр; **~ое ку́шанье** мазали (тотли) таом; **как вку́сно!** қандай мазали!

ВКУСОВ/О́Й, -а́я, -о́е таъмга оид; таъм (маза) берадиган; таъм сезадиган; **~ы́е о́рганы** таъм сезиш органлари; **~ы́е ка́чества пи́щи** овқатнинг мазалилиги.

ВКУСОВЩИ́НА *ж разг.* ҳар нарсага ўз диди билан қараш (баҳо бериш), ўз дидидан бошқани тан олмаслик.

ВКУША́ТЬ *несов. см.* **вкуси́ть**; ✦ **~ плоды́** *чего* самарасини кўрмоқ, роҳатини сурмоқ.

ВЛА́ГА *ж* 1 сув, суюқлиқ, нам; 2 зах, намлик, рутубат, обият.

ВЛАГА́ЛИЩЕ *с* 1 *анат.* мойлиқ, ҳазна, қин(дилоқ); 2 *бот.* қин (япроқ қини).

ВЛАГА́ТЬ *несов. см.* **вложи́ть.**

ВЛАДЕ́ЛЕЦ *м, р.* **-льца** хўжайин, эга, соҳиб; **~ до́ма** уй соҳиби, уй эгаси.

ВЛАДЕ́ЛИЦА *ж* эга, соҳиба.

ВЛАДЕ́ЛЬЧЕСК/ИЙ, -ая, -ое эгалик билан боғлиқ бўлган, эгали; эгалик...; **~ое пра́во** эгалик ҳуқуқи; **~ие зе́мли** эгали ерлар.

ВЛАДЕ́НИ/Е *с* 1 *по гл.* **владе́ть**; **вступи́ть во ~е** эгаликни (эгалик ҳуқуқини) қўлга олмоқ; эга бўлиб қолмоқ; **~е ору́жием** қурол-аслаҳадан фойдалана билиш; **~ языко́м** тил билиш; 2 *уст.* мулк, ер-сув; 3 қарам ер, ўлка; **бы́вшие колониа́льные ~я Португа́лии** Португалиянинг собиқ мустамлакалари.

ВЛАДЕ́ТЕЛЬ *м уст.* 1 *то же, что* **владе́лец**; 2 ҳоким; подшоҳ.

ВЛАДЕ́ТЕЛЬНИЦА *ж уст. см.* **владе́тель.**

ВЛАДЕ́ТЕЛЬНЫЙ, -ая, -ое *уст.* ворислик ҳуқуқига эга бўлган (тахтга, ҳокимиятга); **~ князь** ворислик ҳуқуқига эга бўлган князь.

ВЛАДЕ́/ТЬ *несов. кем-чем* 1 эга бўлмоқ, молик бўлмоқ; **~ть иму́ществом** мол-мулкка эга бўлмоқ; **~ть зна́ниями** билимга эга бўлмоқ; 2 тасарруф (эгалик, ҳокимлик) қилмоқ; бошқармоқ, ўз қўлида тутиб турмоқ; **Росси́я шесть лет ~ла Порт-Арту́ром** (Ленин) Россия олти йил Порт-Артурга эгалик қилди; 3 *перен.* ўз таъсирига олмоқ; ўзига қаратмоқ, жалб қилмоқ, қўлга олмоқ; **~ть кла́ссом** синфни ўз таъсирига олмоқ, синфни ўзига жалб қила билмоқ; 4 *перен.* қамраб (чулғаб) олмоқ, банд қилмоқ (ҳис-туйғу, фикр, хаёл ҳақида); **одна́ мысль ~ла им** уни фақат бир фикр банд қилиб олган эди; 5 эгалламоқ, фойдаланишни билмоқ; **~ть ору́жием** қуролдан фойдаланишни билмоқ; 6 яхши билмоқ, моҳир (яхши эгаллаган) бўлмоқ, малакага эга бўлмоқ; **~ть ки́стью** мўйқалам билан расм солишни яхши билмоқ; мўйқалам билан яхши расм чизмоқ; **~ть перо́м** қалами бор (ўткир) бўлмоқ; яхши ёзмоқ; 7 ишлата билмоқ (қўл-оёқ ҳақида); **он не ~ет пра́вой руко́й** унинг ўнг қўли ишламайди; ✦ **~ть собо́й** ўзини тутмоқ, ўзини тута билмоқ.

ВЛАДЫК/А *м* 1 *уст.* и *высок.* ҳоким, ҳукмрон, хоқон, султон; худо; **~а земли́** жаҳон ҳокими; **Влады́кой ми́ра бу́дет труд!** (из песни «Красное знамя») Меҳнат ер юзининг хоқони бўлиб қолади!; **свое́й рука́ — ~а** *посл.* ўзига хон, ўзига бек; ўзи хон, қўланкаси майдон, ҳаммаси ўзининг қўлида; 2 архиерей ва митрополитларни улуғлаш формаси.

ВЛАДЫЧЕСТВО *с* ҳокимият, ҳокимлик, ҳукмронлик, хоқонлик, салтанат.

ВЛАДЫЧЕСТВОВАТЬ *несов.* ҳоким бўлмоқ, ҳукмронлик (ҳукмдорлик) қилмоқ, давр сурмоқ.

ВЛАДЫЧИЦА *ж* 1 *уст.* и *высок. см.* **влады́ка** 1; 2 Биби Марям тавсифларидан (эпитетларидан) бири.

ВЛАЖНЕ́/ТЬ, -е́ет *несов. (сов.* **повлажне́ть**) намланмоқ, нам (зах) тортмоқ, ҳўл бўлмоқ; захлаб кетмоқ; **во́здух ~ет** ҳаво нам тортмоқда, ҳавода рутубат ошмоқда.

ВЛАЖНО *нареч.* 1 нам, зах, рутубатли; 2 *безл. в знач. сказ.* нам, ҳаво нам; ҳавода рутубат бор.

ВЛАЖНОСТЬ *ж* намлик, ҳўллик, рутубат.

ВЛАЖН/ЫЙ, -ая, -ое; -жен, -жна́, -жно 1 нам, ҳўл, сернам, рутубатли зах, захкаш; **~ая земля́** зах ер; 2 ҳўл, нам, тер босган, телчираган; ёшли; **~ые глаза́** ёшланган кўз(лар), йиғили кўз(лар).

ВЛАМЫВАТЬСЯ *несов. см.* **вломи́ться.**

ВЛАСТВ/ОВАТЬ *несов. кем-чем, над кем-чем* и *без доп. уст.* и *высок.* 1 идора қилмоқ, бошқармоқ, ҳукмронлик

www.ziyouz.com kutubxonasi

қилмоқ, ҳукм (давр) сурмоқ, ҳукмрон бўлмоқ; 2 *перен.* ҳукмронлик қилмоқ, амр қилмоқ; бўйсундирмоқ; **в стра́нах капита́ла над всем ~уют де́ньги** капитал мамлакатларида ҳамма нарсада пул ҳукмронлик қилади (ҳамма нарса пулга бўйсунади, пулга боғлиқ).

ВЛАСТЕ́ЛИН *м высок.* ҳоким, ҳукмдор.

ВЛАСТИ́ТЕЛЬ *м уст.* ҳоким, ҳукмдор; ✦ **~ дум** донишманд, ҳукамо.

ВЛАСТИ́ТЕЛЬНИЦА *ж* ҳокима.

ВЛАСТНО *кареч.* қатъият билан, қатъий суръатда, буйруқ оҳангида; **~ приказа́ть** қатъият билан буюрмоқ.

ВЛАСТНОСТЬ *ж* сўзини ўтказиш, ҳукмини юргизиш, амр-фармолик, шаддодлик.

ВЛАСТ/НЫЙ, -ая, -ое; -тен, -тна 1 ҳукми (сўзи) ўтадиган, ихтиёрли, ҳуқуқли; **он не ~ен распоряжа́ться здесь** унинг бу ерда буйруқ беришга ҳақи йўқ; **в э́том я не ~ен** бунга менинг ҳуқуқим (ҳаққим) йўқ; 2 *перен.* киши ихтиёрини олиб қўядиган; ўткир, қатъий; **~ный взгляд** ўткир қараш; **~ный го́лос** қатъий овоз; 3 сўзини ўтказадиган, ҳукмини юргизадиган, амр-фармо, шаддод.

ВЛАСТОЛЮБЕЦ *м, р.* **-бца** сўзини ўтказишни (буйруқ беришни, хўжайинлик қилишни) яхши кўрадиган одам.

ВЛАСТОЛЮБИВЫЙ, -ая, -ое сўзини ўтказишни (буйруқ беришни, хўжайинлик қилишни) яхши кўрувчи, риёсатпараст.

ВЛАСТОЛЮБИЕ *с* сўзини ўтказишга, буйруқ беришга (хўжайинлик қилишга) ўрганганлик, амр-фармолик, риёсатпарастлик.

ВЛАСТ/Ь *ж* 1 ҳокимият; ҳукмронлик; ҳокимлик; салтанат; **государ́ственная ~ь** давлат ҳокимияти; **сове́тская ~ь** совет ҳокимияти; **прийти́ к ~и** ҳокимият тепасига келмоқ; **брать ~ь в ру́ки** ҳокимиятни қўлга олмоқ; **быть (или находи́ться) у ~и** ҳокимият (ҳукумат) бошида бўлмоқ; 2 ҳокимият органи ҳукумат; 3 *мн.* **~и** маъмурлар, бошлиқлар; **ме́стные ~и** маҳаллий маъмурлар; **вое́нные ~и** ҳарбий маъмурлар; 4 ҳақ, ҳуқуқ, изм, ихтиёр, иқтидор, ирода; **роди́тельская ~ь** ота-оналар ихтиёри; 5 *чего* қудрат, қувват; **~ь сло́ва** сўз қудрати; ✦ **во ~и** (или **под ~ью** *кого-чего* қўли (таъсири) остида; **в мое́й (твое́й, его́** и т. д.) **~и** ихтиёримда, измимда, қўлимда; **не в мое́й ~и реша́ть э́тот вопро́с** бу масалани ҳал қилиш менинг қўлимда эмас; **теря́ть ~ь над собо́й** ўзини тута олмай қолмоқ; ўзини йўқотмоқ; **ва́ша ~ь** ихтиёрингиз, ихтиёр ўзингизда; **отда́ться во ~ь** *кого-чего* ихтиёрига топширилмоқ, таслим бўлмоқ.

ВЛАСЫ *мн. (ед.* **влас** *м) книж. уст.* соч, сочлар.

ВЛАСЯНИЦА *ж* хирқа, жанда.

ВЛАСЯН/ОЙ, -а́я, -о́е *книжн. уст. то же, что* **волосяно́й.**

ВЛАЧИ́ТЬ *несов. что* 1 *книжн. уст. то же, что* **волочи́ть;** 2: **~ жа́лкое существова́ние** *высок.* машаққат билан кун кечирмоқ, аранг кун кўрмоқ, муҳтожликда яшамоқ.

ВЛАЧИ́ТЬСЯ *несов. книжн. уст.* 1 судралмоқ, судралиб бормоқ, секин (зўрға, аранг) юрмоқ; 2 секин ўтмоқ (вақт ҳақида).

ВЛЕ́ВО *нареч.* чапга, сўлга, чап томонга; чапда, чап томонда; **поверну́ть ~** чапга бурилмоқ; **~ от доро́ги** йўлдан чап томонда.

ВЛЕЗА́ТЬ *несов. см.* **влезть.**

ВЛЕЗ/ТЬ *сов. (несов.* **влеза́ть**) 1 *на что* чирмашиб (тирмашиб) чиқмоқ, чиқиб олмоқ; **~ть на де́рево** дарахт тепасига тирмашиб чиқмоқ; 2 *во что* тиқилиб (суқилиб) кирмоқ, кириб олмоқ (кетмоқ); **~ть в окно́** деразадан суқилиб кирмоқ; деразадан кириб олмоқ; **~ть в нору́** суқилиб нигга кириб кетмоқ; 3 *во что* кирмоқ, тушмоқ, ётмоқ; кириб (тушиб, ётиб) олмоқ; **~ть в во́ду** сувга тушмоқ; **~ть в ваго́н** вагонга тушиб (чиқиб) олмоқ; **~ть в посте́ль** ўрнига ётиб олмоқ; 4 *разг.* сиғмоқ, жойлашмоқ; **все кни́ги ~ли в чемода́н** ҳамма китоблар чемоданга сиғди (жойлашди); 5 *прост.* киймоқ, кийиб олмоқ; 6 ўғриликка тушмоқ; **~ть в дом** уйга ўғирликка тушмоқ; 7 *разг.* рухсатсиз кирмоқ, кириб олмоқ; **~ть в гости́ную** меҳмонхонага рухсатсиз кириб олмоқ; 8 *разг.* сиғмоқ, тўғри (лойиқ) келмоқ (кийим ҳақида); **сапоги́ мне не ~ли** этик менга сиғмади; ✦ **~ть в долги́** қарзга ботмоқ (кўмилмоқ); **~ть в ду́шу** *кому см.* **душа́; ско́лько ~ет** хоҳлаганча, истаганча.

ВЛЕПИТЬ, влеплю́, вле́пишь *сов. (несов.* **влепля́ть**) *что* 1 ичига (орасига) ёпиштирмоқ, чапламоқ, ёпмоқ; 2 *перен. разг.* урмоқ, туширмоқ; **~ пощёчину** шапалоқ урмоқ, тарсаки туширмоқ; 3 *прост. кому* бермоқ, қўймоқ; **~ дво́йку** икки қўймоқ; **~ вы́говор** ҳайфсан бермоқ.

ВЛЕПИ́ТЬСЯ, вле́пится *сов. (несов.* **влепля́ться**) ичига (орасига) ёпишмоқ, ёпишиб қолмоқ.

ВЛЕПЛЯ́ТЬ *несов. см.* **влепи́ть.**

ВЛЕПЛЯ́ТЬСЯ, -я́ется *несов.* 1 *см.* **влепи́ться;** 2 *страд. от* **влепля́ть.**

ВЛЕТА́ТЬ *несов. см.* **влете́ть.**

ВЛЕТЕ/ТЬ, влечу́, влети́шь *сов. (несов.* **влета́ть**) 1 учиб кирмоқ, учиб келиб тушмоқ; **в ко́мнату ~ла ла́сточка** хонага қалдирғоч учиб кирди; 2 *перен. разг.* чопиб кирмоқ, югурганча (ўқмолича) кириб келмоқ; 3 *безл. кому разг.* танбеҳ емоқ, гап эшитмоқ; **ему́ ~ло** у роса сўкиш эшитди; уни роса сўкишди; ✦ **~ть в копе́ечку** жуда қимматга тушмоқ.

ВЛЕЧЕ́НИЕ *с* майл, ҳавас, қизиқиш, интилиш; **~ к му́зыке** мусиқага қизиқиш; **серде́чное ~** севги, муҳаббат.

ВЛЕ́ЧЬ I, влягу, вля́жешь; влёг, влегла́ *сов.* ичига ўрнашмоқ, кирмоқ, ботмоқ.

ВЛЕЧ/Ь II, влеку́, влечёшь; влёк, влекла́ 1 *кого-что* тортмоқ, судрамоқ; 2 *кого* жалб этмоқ, тортмоқ, қизиқтирмоқ, жазб қилмоқ; **его́ ~ёт к иску́сству** уни санъат қизиқтиради; **Ка́тя влекла́ его́ к себе́ всё сильне́й и сильне́й** (Достоевский) Катя уни тобора ўзига тортар эди; ✦ **~ь за собо́й** сабаб (боис) бўлмоқ; ... га олиб бормоқ (келмоқ).

ВЛЕ́ЧЬСЯ, влеку́сь, влечёшься; влёкся, влеклась́ *несов.* 1 *книжн.* судралиб бормоқ, секин юрмоқ; 2 *уст. поэт.* қизиқмоқ, берилмоқ.

ВЛИВА́НИЕ *с* 1 *по гл.* **влива́ть;** 2 қуйиш, юбориш (дори, қон); **~ глюко́зы** глюкоза қуйиш (томирга); **внутриве́нное ~** томирга қон (ёки дори) қуйиш, венага қон (ёки дори) юбориш.

ВЛИВА́ТЬ *несов. см.* **влить.**

ВЛИВА́ТЬСЯ, -а́ется *несов.* 1 *см.* **вли́ться;** 2 *страд. от* **влива́ть.**

ВЛИПА́ТЬ *несов. см.* **вли́пнуть.**

ВЛИ́ПНУТЬ, -ну, -нешь; влип, -ла *сов. (несов.* **влипа́ть**) 1 ёпишмоқ, ёпишиб қолмоқ; 2 *прост.* қўлга тушмоқ, фириб (панд) емоқ; учрамоқ, йўлиқмоқ; **~ в исто́рию** бирор нохуш аҳволга учрамоқ.

ВЛИТО́Й, -а́я, -о́е: как (сло́вно, то́чно) ~ (сиди́т) қуйиб қўйгандек (ёпишиб) ўтирибти (кийим ҳақида).

ВЛИТЬ, волью́, вольёшь *сов. (несов.* **влива́ть**) 1 *что* и *чего* қуймоқ, солмоқ; **~ лека́рство по ка́пле** дорини томчилатиб қуймоқ; 2 *перен. что* бағишламоқ, бахш этмоқ, бермоқ; **[Бели́нский] влил но́вую жизнь в на́шу литерату́ру** (Чернышевский) Белинский адабиётимизга янги ҳаёт бахш этди; **~ бо́дрость** руҳ бахш этмоқ; руҳини кўтармоқ, тетиклаштирмоқ; **~ му́жество** *в кого-л.* мардлик бахш этмоқ, мард қилмоқ; 3 *перен. кого-что* қўшмоқ, қўшиб юбормоқ, бирлаштирмоқ; **~ отря́д в полк** отрядни полкка қўшиб юбормоқ.

ВЛИ́/ТЬСЯ, вольётся *сов. (несов.* **влива́ться**) 1 оқиб тушмоқ, қуйилмоқ; **вода́ ~ла́сь в кана́л** сув каналга оқиб тушарди; 2 *перен.* пайдо бўлмоқ, келмоқ, тушмоқ, касб этилмоқ; **в меня́ ~ла́сь уве́ренность в успе́хе** менда муваффақият қозонишга ишонч пайдо бўлди; 3 *перен.* қўшилмоқ; қўшилиб кетмоқ, бирлашмоқ; **в наш коллекти́в ~ли́сь све́жие си́лы** коллективимизга янги кучлар қўшилди.

ВЛИЯ́НИЕ *с* 1 таъсир; таъсир этиш (кўрсатиш); **ока́зывать ~ *на кого-л.*** таъсир этмоқ (кўрсатмоқ); **попа́сть под *чьё-л.* ~** бировнинг таъсирида (таъсири остида) қолмоқ; **быть под ~м *кого-чего-л.*** бирор нарсанинг таъсирида бўлмоқ; 2 нуфуз, эътибор, обрў; **челове́к с ~м** обрўли одам; **по́льзоваться ~м** обрўга (нуфузга) эга бўлмоқ.

ВЛИЯТЕЛЬНОСТЬ *ж* нуфузлилик, обрўлилик, эътиборлилик; эътибор, обрў, нуфуз.

ВЛИЯТЕЛЬНЫЙ, -ая, -ое; -лен, -льна нуфузли, обрўли, эътиборли.

ВЛИЯ́ТЬ *несов. (сов.* **повлия́ть**) *на кого-что* таъсир этмоқ (кўрсатмоқ); **~ свои́м приме́ром** ўз намунаси билан (намуна, ибрат кўрсатиб) таъсир этмоқ; **~ положи́тельно**

www.ziyouz.com kutubxonasi

ижобий таъсир кўрсатмоқ; ~ **на ход событий** воқеаларнинг боришига таъсир кўрсатмоқ.

ВЛОЖЕ́НИ/Е *с* 1 *по гл.* **вложи́ть**; 2 солинган (қўшилган) нарса; **письмо́ с ~ем** ичига пул (ёки бирор нарса) солинган хат; 3 бирор ишга сарф қилинган пул, маблағ; **капита́льные ~я** капитал маблағлар.

ВЛОЖИ́ТЬ, вложу́, вло́жишь *сов. (несов.* **влага́ть** и **вкла́дывать**) *что* 1 солмоқ, қўймоқ (ичига); ~ **письмо́ в конве́рт** хатни конвертга солмоқ; 2 *перен.* сарфламоқ, бағишламоқ, бермоқ; ~ **всю си́лу** бор кучини сарфламоқ; ~**всю ду́шу** *во что-л.* жон-дилини бермоқ; 3 пул (маблағ) сарф қилмоқ (қўймоқ, бермоқ); **Он в хозя́йство копе́йки не вложи́л** (Марков) у хўжалик учун бир тийин ҳам берган эмас (хўжаликка унинг зинҳори ҳам қўйган эмас).

ВЛОМИ́ТЬСЯ, вломлю́сь, вло́мишься *сов. (несов.* **вла́мываться**) *разг.* бостириб кирмоқ, зўрлик билан кирмоқ; ~ **в дверь** эшикдан зўрлик билан кирмоқ; эшикни бузиб кирмоқ; ✦ ~ **в амби́цию** *см.* **амби́ция**.

ВЛЮБИ́ТЬ, влюблю́, влю́бишь *сов. (несов.* **влюбля́ть**) *кого в кого разг.* ошиқ (хуштор) қилиб олмоқ, ўзига ром қилмоқ.

ВЛЮБИ́ТЬСЯ, влюблю́сь, влю́бишься *сов. (несов.* **влюбля́ться**) 1 *в кого* кўнгил бермоқ, ошиқ (хуштор) бўлмоқ, севмоқ, севиб (ошиқ, хуштор бўлиб) қолмоқ; 2 *во что* ишқибоз бўлмоқ, севиб (яхши, хуш кўриб) қолмоқ; **он влюблён в свою́ рабо́ту** у ўз ишини севади.

ВЛЮБЛЁННО *нареч.* хуши тушиб, ошиқлардек, ошиқона, хушторона; **смотре́ть ~** ошиқона қарамоқ.

ВЛЮБЛЁННОСТЬ *ж* ошиқлик, маъшуқлик, хушторлик, ишқибозлик.

ВЛЮБЛЁНН/ЫЙ, -ая, -ое 1 севиб (ошиқ бўлиб) қолган; ошифта; **быть ~ым** *в кого-л.* ошиқ бўлиб қолмоқ, яхши кўрмоқ, севмоқ; 2 ошиқона, ошиқлардек; **~ый взгляд** ошиқона қараш; 3 ишқибоз бўлиб қолган, шайдойи; 4 *в знач. сущ.* **~ый** *м* ошиқ, хуштор; **~ая** *ж* маъшуқа; **~ые** ошиқ-маъшуқлар.

ВЛЮБЛЯ́ТЬ *несов. см.* **влюби́ть**.

ВЛЮБЛЯ́ТЬСЯ *несов. см.* **влюби́ться**.

ВЛЮБЧИВОСТЬ *ж* тез (дарров) ошиқ бўлиб қолиш, ҳадеб севавериш, севувчанлик.

ВЛЮБЧИВЫЙ, -ая, -ое тез (дарров) ошиқ бўладиган, ҳадеб севаверадиган, севувчан.

ВЛЯПА́ТЬСЯ *сов. прост.* 1 йиқилмоқ, йиқилиб тушмоқ; **~в грязь** лойга йиқилиб тушмоқ; 2 қўлга тушмоқ, фириб (панд) емоқ; алданмоқ; ёмон аҳволга тушмоқ, учрамоқ, йўлиқмоқ; ~ **в исто́рию** бирор нохуш аҳволга учрамоқ.

ВМА́ЗАТЬ, вма́жу, вма́жешь *сов. (несов.* **вма́зывать**) *что* лойлаб (ёки бошқа нарса билан) ўрнатмоқ, қўймоқ; ~ **котёл в печь** қозонни ўчоққа лойлаб (лой билан) ўрнатмоқ.

ВМА́ЗЫВАТЬ *несов. см.* **вма́зать**.

ВМА́ТЫВАТЬ *несов. см.* **вмота́ть**.

ВМЕНИ́ТЬ *сов. (несов.* **вменя́ть**) *что кому-чему во что* 1 *уст.* ҳисобламоқ, деб билмоқ, топмоқ; ~ *кому-л. что-л.* **в вину́** айбламоқ, айб қўймоқ; ~**в заслу́гу** хизмати деб ҳисобламоқ; 2 юкламоқ, зиммасига қўймоқ, топширмоқ; ~ **в обя́занность** зиммасига юкламоқ, вазифа қилиб қўймоқ (топширмоқ).

ВМЕНЯЕМОСТЬ *ж юр.* ақли расолик, ўз қилмишига ўзи жавоб бера олиш, шуур.

ВМЕНЯ́ЕМ/ЫЙ, -ая, -ое ақли расо, ўз қилмишига ўзи жавоб бера оладиган, шуурли; ~**ое состоя́ние** шуурли ҳолат.

ВМЕНЯ́ТЬ *несов. см.* **вмени́ть**.

ВМЕРЗА́ТЬ *несов. см.* **вмёрзнуть**.

ВМЁРЗНУТЬ *сов. (несов.* **вмерза́ть**) бирга музлаб қолмоқ, музлаб ёпишиб қолмоқ.

ВМЕСИ́ТЬ, вмешу́, вмеси́шь *сов. (несов.* **вме́шивать** II) *что* қўшиб (солиб) қормоқ, аралаштириб қормоқ; ~ **в те́сто изю́м** хамирга майиз аралаштириб қормоқ.

ВМЕ́СТЕ *нареч.* 1 бирга, биргаликда, биргалашиб; **жить ~** бирга яшамоқ; **идти́ всем ~** ҳамма бирга бормоқ; ~ **с това́рищем** ўртоғи билан бирга; 2 айни бир вақтда (пайтда); бир вақтнинг ўзида, баробар (баравар); ~ **с тем** шу билан бирга, шу билан баробар, шунинг баробарида.

ВМЕСТИ́, вмету́, вместёшь *сов. (несов.* **вмета́ть**) *что* супуриб ташламоқ, супуриб туширмоқ.

ВМЕСТИЛИ́ЩЕ *с* бирор нарса сақланадиган идиш (ёки омбор, жой).

ВМЕСТИ́МОСТЬ *ж* сиғим, элтиш, элтувчанлик, **сиғимлилик**, ҳажм.

ВМЕСТИ́МЫЙ, -ая, -ое сиғадиган, сиғдириб бўладиган.

ВМЕСТИ́ТЕЛЬНОСТЬ *ж* сиғими катталик, сиғимлилик, сиғимдорлик.

ВМЕСТИ́ТЕЛЬНЫЙ, -ая, -ое; -лен, -льна сиғимли, сиғимдор, кўп сиғдирадиган (элтадиган), катта, кенг; ~ **зал** катта зал; ~ **ковш** сиғимдор ковш.

ВМЕСТИ́/ТЬ, вмещу́, вмести́шь *сов. (несов.* **вмеща́ть**) 1 *кого-что* сиғдирмоқ, элтмоқ; **зал не ~л всех жела́ющих** ҳамма хоҳловчилар залга сиғмади; **шкаф ~л все кни́ги** шкафга ҳамма китоб сиғди; 2 *что* ичига сиғдирмоқ, жойлаштирмоқ; ~**ть все кни́ги в шка́ф** ҳамма китобларни шкафга жойлаштирмоқ (сиғдирмоқ).

ВМЕСТИ́ТЬСЯ, вмещу́сь, вмести́шься *сов. (несов.* **вмеща́ться**) сиғмоқ, жойлашмоқ.

ВМЕ́СТО *предлог с р.* ўрнига, бадалига, ўрнига ўрин; **взять одну́ кни́гу ~ другу́ю** бир китоб ўрнига бошқа китоб олмоқ; **пое́хать ~** *кого-л.* бировнинг ўрнига бормоқ.

ВМЕТА́ТЬ I *несов. см.* **вмести́**.

ВМЕТА́ТЬ II *сов. (несов.* **вмётывать**) *что* кўклаб қўймоқ, чатиб уламоқ (бириктирмоқ); ~ **рука́в** енгни кўклаб қўймоқ.

ВМЁТЫВАТЬ *несов. см.* **вмета́ть** II.

ВМЕША́ТЕЛЬСТВО *с* 1 аралашиш, қотишиш, тиқилиш, мудохала; ~ **во вну́тренние дела́** *какого-л.* **госуда́рства** бирор давлатнинг ички ишларига аралашиш; 2 тўхтатувчи (чек қўювчи) иш, ҳаракат; **хирурги́ческое ~** операция қилиш; операция йўли билан йўқ қилиш (тузатиш).

ВМЕША́ТЬ *сов. (несов.* **вме́шивать** I) *во что* 1 *что* қўшиб қормоқ, қориштирмоқ; 2 *перен. кого-что разг.* мажбурий равишда (зўрлаб) аралаштирмоқ, қотиштирмоқ, тортмоқ.

ВМЕША́ТЬСЯ *сов. (несов.* **вме́шиваться**) 1 қўшилиб (аралашиб) кетмоқ; 2 аралашмоқ, қотишмоқ, қўшилмоқ, суқилмоқ, бош қўшмоқ; ~**в де́ло** ишга аралашмоқ; ишга суқилмоқ; ~ **в разгово́р** гапга аралашмоқ, суҳбатга қўшилмоқ; 3 аралашмоқ, орага кирмоқ (тушмоқ); аралашиб (орага кириб, тушиб) олдини олмоқ, тўхтатмоқ, бартараф қилмоқ; **в конфли́кт пришло́сь ~ дире́ктору** жанжалга директор аралашмаса бўлмади.

ВМЕ́ШИВАТЬ I *несов. см.* **вмеша́ть**.

ВМЕ́ШИВАТЬ II *несов. см.* **вмеси́ть**.

ВМЕ́ШИВАТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **вмеша́ться**; 2 *страд. от* **вме́шивать** I.

ВМЕЩА́/ТЬ *несов. кого-что* 1 *см.* **вмести́ть**; 2 сиғдирмоқ, элтмоқ; **зал ~ет две ты́сячи зри́телей** зал икки минг томошабинни сиғдиради; **котёл ~ет сто ли́тров** қозонга юз литр сиғади (кетади); қозон юз литр элтади (олади, сиғдиради).

ВМЕЩА́ТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **вмести́ться**; 2 *страд. от* **вмеща́ть** 2.

ВМИГ *нареч.* бир лаҳзада (онда), бирпасда, бир дамда (зумда), кўз очиб, юмгунча, дам ўтмай.

ВМИНА́ТЬ *несов. см.* **вмять**.

ВМИНА́ТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **вмя́ться**; 2 *страд. от* **вмина́ть**.

ВМОНТИ́РОВАТЬ *сов. что* ичига монтаж қилмоқ, ичига ўрнатмоқ, монтаж қилиб ичига ўрнатмоқ (қўймоқ, уламоқ); ~ **про́вод в схе́му** симни схемага уламоқ.

ВМОТА́ТЬ *сов. (несов.* **вма́тывать**) *что* қўшиб ўрамоқ, калавага қўшиб ўраб қўймоқ; ~ **другу́ю ни́тку** бошқа ипни ҳам қўшиб (ёки устига) ўрамоқ.

ВМУ́РОВАТЬ, -ру́ю, -ру́ешь *сов. (несов.* **вмуро́вывать**) ичига қўйиб (ўрнатиб) уриб ташламоқ; ~ **котёл в кирпи́чную кла́дку** қозонни ғишт деворга ўрнатиб урмоқ.

ВМУРО́ВЫВАТЬ *несов. см.* **вмурова́ть**.

ВМЯ́ТИНА *ж* эзилган жой, ўйиқ, заха.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ВМЯТОСТЬ *ж то же, что* **вмя́тина.**

ВМЯТЬ, вомну́, вомнёшь *сов. (несов.* **вмина́ть)** *что* сиқиб ботирмоқ, ўймоқ; эзиб қапиштириб (ёпиштириб) ташламоқ, ер билан яксон қилмоқ; ~ **оку́рок в зе́млю** қолдиқ папиросни эзиб ерга қапиштирмоқ.

ВМЯТЬСЯ, вомну́сь, вомнёшься *сов. (несов.* **вмина́ться)** эзилмоқ, эзилиб ичига ботмоқ, қапишиб (ёпишиб) кетмоқ.

ВНАЕ́М и **ВНАЙМЫ** *нареч.* қирага; ижарага; **взять** ~ кирага (ижарага) олмоқ; **отда́ть** ~ кирага (ижарага) бермоқ; **сдаётся** ~ кирага (ижарага) берилади.

ВНАКИ́ДКУ *нареч.* елкага ташлаб, устига ташлаб; **носи́ть ку́ртку** ~ курткани елкасига ташлаб юрмоқ.

ВНАКЛА́ДЕ *нареч. прост.* зарар кўриб, зиён тортиб; **быть** ~ зарар кўрмоқ; **оста́ться** ~ зарар кўрмоқ, зиён тортмоқ.

ВНАКЛА́ДКУ *нареч. разг.:* **пить чай** ~ чойга шакар (қанд) солиб ичмоқ.

ВНАЧА́ЛЕ *нареч.* аввалига, бошда, дастлаб, бошида, даставвал.

ВНЕ *предлог с р.* -дан ташқари, ташқарида, ташда, сиртда, хорижда, холи; ~ **до́ма** уйдан ташқарида; ~ **го́рода** шаҳардан ташқарида; ~ **опа́сности** хавфдан холи; ~ **о́череди** навбатдан ташқари, навбатсиз; ~ **ко́нкурса** конкурсдан ташқари; ✦ ~ **себя́** ўзида йўқ, ўзини йўқотиб (йўқотгудай); **быть** ~ **себя́ от ра́дости** ўзида йўқ хурсанд бўлмоқ; **быть** ~ **себя́ от гне́ва** ўзини йўқотгудай ғазабланмоқ; ғазабдан ўзини йўқотмоқ; ~ **зако́на** қонундан ташқари; **объяви́ть** ~ **зако́на** қонундан ташқари деб эълон қилмоқ; ~ **вре́мени и простра́нства** замон ва макондан ташқари, ҳақиқатдан йироқ, воқеликни ҳисобга (назарга) олмасдан; ~ **(вся́кого) сравне́ния** чоғиштириб (қиёслаб) бўлмайдиган даражада, беқиёс, тенги йўқ; ~ **вся́кого сомне́ния** ҳеч шубҳасиз, шак-шубҳасиз.

ВНЕБРА́ЧНЫЙ, -ая, -ое никоҳсиз; ~ **ребёнок** никоҳсиз туғилган бола; ҳароми *(эск.).*

ВНЕВОЙСКО́В/ОЙ: ~**а́я подгото́вка** армия сафидан ташқари ўтказиладиган тайёргарлик.

ВНЕВРЕ́МЕННЫЙ, -ая, -ое *книжн.* вақтга (замонга) тааллуқсиз, вақт билан боғлиқ бўлмаган, вақт категориясидан ташқари.

ВНЕДРЕ́НИЕ *с по гл.* **внедри́ть** и **внедри́ться;** ~ **достиже́ний нау́ки в произво́дство** фан ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий қилиш; ~ **в созна́ние** онгга сингдириш.

ВНЕДРИ́ТЬ *сов. (несов.* **внедря́ть)** *что* жорий қилмоқ, расм қилмоқ, сингдирмоқ, ёймоқ, амалга оширмоқ, киргизмоқ.

ВНЕДРИ́ТЬСЯ *сов. (несов.* **внедря́ться)** жорий бўлмоқ, расм бўлмоқ, сингмоқ, ёйилмоқ, ўрнашмоқ, амалга ошмоқ, томир ёймоқ.

ВНЕДРЯ́ТЬ *несов. см.* **внедри́ть.**

ВНЕДРЯ́ТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **внедри́ться;** 2 *страд. от* **внедря́ть.**

ВНЕЗА́ПНО *нареч.* тўсатдан, қўққисдан, бирдан, бехосдан, дафъатан, дабдурустдан, иттифоқо, баногоҳ, ногаҳон; ~ **замолча́ть** бирдан жимиб (жим бўлиб) қолмоқ.

ВНЕЗА́ПНОСТ/Ь *ж* 1 тўсатдан рўй бериш (берганлик), кутилмаганлик, ногаҳонийлик, тасодифийлик; ~**ь нападе́ния** ҳужумнинг ногаҳонийлиги (қўққисданлиги, кутилмаганлиги); ~**ь его́ отъе́зда всех порази́ла** унинг тўсатдан жўнаб кетиши ҳаммани ҳайратлантирди; 2 *разг.* кутилмаган воқеа, тасодиф; **жизнь полна́** ~ **ей** ҳаёт тасодифларга тўла.

ВНЕЗА́ПН/ЫЙ, -ая, -ое; -пен, -пна тўсатдан (қўққисдан, бехосдан) рўй берган, кутилмаган, ногаҳоний, тасодифий; ~**ая разлу́ка** ногаҳоний айрилиқ.

ВНЕЗЕМНО́Й, -а́я, -о́е ердан ташқаридаги, ердан ташқарида бўлган (бўладиган); **гипо́теза о существова́нии** ~ **жи́зни** ердан ташқарида ҳам ҳаёт борлиги ҳақидаги гипотеза.

ВНЕКЛА́ССН/ЫЙ, -ая, -ое синфдан (дарсдан) ташқаридаги, мактабдан ташқарида бўладиган; ~**ое чте́ние** дарсдан ташқари ўқиш (машғулот).

ВНЕКЛА́ССОВ/ЫЙ, -ая, -ое ғайрисинфий, жамиятдаги синфлардан ташқари, ижтимоий синфларга алоқаси бўлмаган; **в кла́ссовом о́бществе не мо́жет быть** ~**ой идеоло́гии** синфий жамиятда ғайрисинфий идеологиянинг бўлиши мумкин эмас.

ВНЕКО́НКУРСН/ЫЙ, -ая, -ое конкурсдан ташқари, конкурсга кирмайдиган; ~**ая програ́мма фестива́ля** фестивалнинг конкурсдан ташқари (конкурсга кирмайдиган) программаси.

ВНЕМА́ТОЧН/ЫЙ: ~**ая бере́менность** бачадондан ташқари ҳомила.

ВНЕОЧЕРЕДНО́/Й, -а́я, -о́е навбатдан ташқари, фавқулодда; ~**е заседа́ние** навбатдан ташқари кенгаш; ~**й о́тпуск** навбатдан ташқари отпуска.

ВНЕПЛА́НОВЫ/Й, -ая, -ое планисиз, пландан ташқари, планда кўрсатилмаган, кўзда тутилмаган; ~**е мероприя́тия** пландан ташқари тадбир-чоралар.

ВНЕСЕ́НИЕ *с по гл.* **внести́;** ~ **удобре́ний** ерни ўғитлаш; ерга ўғит солиш; ~ **пла́ты** ҳақ (пул) тўлаш; ~ **в протоко́л** протоколга киритиш; ~ **попра́вок** тузатишлар киритиш.

ВНЕСЛУЖЕ́БН/ЫЙ, -ая, -ое хизматдан ташқари, иш (хизмат) вақтидан ташқари; ~**ые заня́тия** хизматдан (ишдан) ташқари машғулотлар; ~**ое вре́мя** хизматдан (ишдан) ташқари вақт.

ВНЕСТИ́, -су́, -сёшь; внёс, внесла́ *сов. (несов.* **вноси́ть)** 1 *кого-что* олиб кирмоқ; киритмоқ, олиб кириб (киритиб) қўймоқ; ~**ве́щи в дом** нарсаларни уйга олиб кирмоқ; буюмларни уйга олиб кириб (киритиб) қўймоқ; 2 *кого-что* киритмоқ, қўшмоқ, киритиб (қўшиб, ёзиб) қўймоқ; ~ **в спи́сок** рўйхатга киритмоқ (қўшиб, ёзиб қўймоқ); ~ **попра́вки** тузатишлар киритмоқ; 3 *что* тўламоқ, топширмоқ (пул ҳақида); ~ **де́ньги в ка́ссу** пулни кассага топширмоқ (тўламоқ); 4 *перен.* юзага келтирмоқ, туғдирмоқ, пайдо қилмоқ; солмоқ; киритмоқ; ~ **мно́го поле́зного** кўп фойдали нарсаларни киритмоқ ~ **замеша́тельство** саросимага солмоқ (туширмоқ, келтирмоқ); ~ **разда́р** айра солмоқ, орани бузмоқ); ~ **оживле́ние** жонлантирмоқ, жонлантириб (қизитиб) юбормоқ; ✦ ~ **предложе́ние** таклиф киритмоқ; ~ **я́сность (в дело и т. п.)** (иш ва ҳ. к. га) аниқлик киритмоқ; ~ **(свой) вклад** ўз ҳиссасини қўшмоқ.

ВНЕСТИ́СЬ *сов. (несов.* **вноси́ться)** *разг.* ўқдек учиб кирмоқ, югуриб кирмоқ, ўқмолича кириб келмоқ.

ВНЕУРО́ЧНЫ/Й, -ая, -ое дарсдан ташқари; ~**е заня́тия** дарсдан ташқари машғулотлар.

ВНЕШКО́ЛЬНЫ/Й, -ая, -ое мактабдан ташқари(даги); ~**е рабо́ты** мактабдан ташқари(даги) ишлар, мактабдан ташқарида ўтказиладиган таълим-тарбия ишлари.

ВНЕ́ШНЕ *нареч.* ташқаридан қараганда, сиртдан кўринишда, сиртдан, ташдан, зоҳиран; ~ **споко́йный** сиртдан қараганда хотиржам кўринади.

ВНЕШНЕПОЛИТИ́ЧЕСКИЙ, -ая, -ое ташқи сиёсатга оид, ташқи сиёсатдаги; ташқи сиёсат...; ~ **курс** ташқи сиёсатдаги (ташқи сиёсатда тутилган) йўл.

ВНЕШНЕТО́РГОВЫЙ, -ая, -ое ташқи савдога оид; ташқи савдо...; ~ **оборо́т** ташқи савдо оборoти.

ВНЕ́ШН/ИЙ, -яя, -ее 1 ташқи, сиртқи, устки; ташқаридаги, сиртдаги, зоҳирий; ~**ий вид** ташқи кўриниш; ~**ий осмо́тр** ташқаридан (сиртдан) кўриб чиқиш, ташқи кўрик; ~**ий покро́в** устки қатлам; 2 ташқи, сиртдан таъсир этувчи; ~**ие си́лы** ташқи кучлар; 3 ташқи, сиртқи, ташқарига қараган; ~**ие о́кна** ташқи деразалар; 4 чет эл мамлакатларига алоқадор (тегишли), ташқи, хорижий; ~**яя поли́тика** ташқи сиёсат; ~**яя торго́вля** ташқи савдо; 5 *перен.* юзаки, сиртдан кўринадиган, туюлма, зоҳирий; ~**ий лоск** сиртдан ялтироқ, кўриниш, усти ялтироқлик; ~**ее споко́йствие** сиртдан осойишта кўриниш, зоҳирий осойишталик; ✦ ~**ий у́гол** *мат.* ташқи бурчак.

ВНЕ́ШНОСТЬ *ж* ташқи кўриниш, қиёфа, афт-ангор, турқ, важоҳат, талъат, андом.

ВНЕШТА́ТН/ЫЙ, -ая, -ое штатсиз, штатдан ташқари, штатда йўқ; ~**ая до́лжность** штатсиз ўрин.

ВНЕЭКОНОМИ́ЧЕСК/ИЙ, -ая, -ое экономикага боғлиқ бўлмаган, экономикадан ташқари; ~**ое принужде́ние** экономикага боғлиқ бўлмаган йўл билан мажбур этиш.

ВНИЗ *нареч.* 1 остга, пастга, қуйига, тубанга, пастга қараб, пастга томон; **бежа́ть** ~ **по ле́стнице** зинадан пастга

www.ziyouz.com kutubxonasi

га қараб югурмоқ; 2 этагига, қуйи томонига, оқими билан; ~ **по тече́нию** дарёнинг оқимига (қуйи томонига) қараб; ~ **по реке́** дарёнинг этагига қараб; ✦ **идти́** (или **кати́ться, опуска́ться** и т. п.) ~ пастга қараб кетмоқ, пасаймоқ, таназзулга юз тутмоқ; **смотре́ть све́рху** ~ *на кого* юқоридан (ўзини баланд олиб) қарамоқ, менсимаслик.

ВНИЗУ *нареч.* 1 остда, пастда, қуйида, тубанда, пастки томонда; 2 *в знач. предлога с р.* остида, охирида; ~ **письма́ стоя́ла да́та** хатнинг охирида (остида) санаси бор эди.

ВНИКА́ТЬ *несов. см.* **вни́кнуть.**

ВНИ́КНУТЬ, -ну, -нешь; вник, вни́кла *сов. (несов.* **вника́ть**) *во что* тушуниб етмоқ, уқмоқ, идрок қилмоқ, синчиклаб билиб олмоқ, мағзини чақмоқ; ~ **в слова́ учи́теля** ўқитувчининг сўзларига тушуниб олмоқ (етмоқ); ўқитувчининг сўзларини уқиб олмоқ; ~ **в суть де́ла** ишнинг моҳиятини тушуниб олмоқ; ~ **в дета́ли** ишдан игнасигача билиб олмоқ, батафсил тушуниб етмоқ.

ВНИМА́НИ/Е *с* 1 диққат, эътибор; **отвле́чь** *чьё-л.* ~е диққатни бўлмоқ, чалғитмоқ; **привле́чь** ~е диққатини тортмоқ (жалб қилмоқ, қаратмоқ); **обрати́ть** ~е *на что-л.* эътибор (аҳамият) бермоқ, қулоқ солмоқ; эътиборни жалб этмоқ; **сосредото́чить** ~е *на чём-л.* бутун диққат-эътиборни бирор нарсага қаратмоқ; **оста́вить без** ~я эътиборсиз (оқибатсиз) қолдирмоқ; инобатга олмаслик; **приня́ть во** ~е эътиборга (инобатга, назарга) олмоқ; назарда тутмоқ; 2 ғамхўрлик, илтифот, эътибор, иззат-ҳурмат, иззат-икром, сипориш; парво; **оказа́ть** ~е *кому-л.* бирор кишига илтифот (сипориш) қилмоқ; **по́льзоваться** ~ем эътибор қозонмоқ; ҳурмат-иззатда бўлмоқ; ✦ ~е! диққат!; ~ю *кого* диққатига; ~ю **покупа́телей!** харидорлар диққатига!; **быть в це́нтре** ~я диққат марказида бўлмоқ, ҳамманинг эътиборини ўзига қаратмоқ; **он весь** ~е унинг икки қулоғи сизда (ё бир нимада); у жон-қулоғи билан тинглаяпти.

ВНИМА́ТЕЛЬНО *нареч.* 1 диққат билан, эътибор бериб, синчиклаб; 2 илтифот кўрсатиб, ғамхўрлик (жонкуярлик) билан; иззат-икром билан; **относи́ться** ~ илтифот билан қарамоқ, илтифот қилмоқ.

ВНИМА́ТЕЛЬНОСТЬ *ж* 1 диққат билан қараш, зийраклик, ҳушёрлик, синчковлик; 2 ғамхўрлик, жонкуярлик; илтифот, иззат-ҳурмат, иззат-икром, сипориш.

ВНИМА́ТЕЛЬНЫЙ, -ая, -ое; -лен, -льна 1 диққат билан қарайдиган, зийрак, ҳушёр, синчков; ~ **учени́к** диққатли ўқувчи; 2 илтифотли, марҳаматли, ғамхўр, жонкуяр; ~ **друг** жонкуяр дўст.

ВНИМА́/ТЬ, -а́ю, -а́ешь и *уст. поэт.* **вне́млю, вне́млешь** *несов.* 1 (*сов.* **внять**) *кому-чему* и *без доп. уст.* эшитмоқ, қулоқ солмоқ, тингламоқ; 2 *кому-чему высок.* диққат қилмоқ, диққат билан қарамоқ, кузатмоқ; **Весь мир** ~ет **гига́нтской би́тве [под Москво́й]**... (А. Н. Толстой) Бутун жаҳон Москва бўсағаларидаги зўр жангларни диққат билан кузатмоқда (бутун жаҳоннинг диққати Москва бўсағаларидаги улкан жангларда).

ВНИЧЬЮ *нареч.* дуранг натижа билан, дуранг; **па́ртия зако́нчилась** ~ ўйин дуранг натижа билан тугади, ўйин дуранг бўлди; **сыгра́ть** ~ дуранг қилмоқ.

ВНО́ВЕ *нареч. разг.* янги, илгари кўрилмаган, ўрганилмаган, нотаниш; **всё бы́ло ей** ~ унга ҳамма нарса янги (нотаниш) эди.

ВНОВЬ *нареч.* 1 янгидан, яна, тағин, қайтадан; **мы** ~ **встре́тились** биз яна учрашдик; 2 янги, яқинда, яқиндагина; ~ **назна́ченный дире́ктор** янги (яқинда) тайинланган директор.

ВНОСИ́ТЬ, -ошу́, -о́сишь *несов. см.* **внести́.**

ВНОСИ́ТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **внести́сь**; 2 *страд. от* **вноси́ть.**

ВНО́С/КА *ж* 1 *по гл.* **вноси́ть**; 2 илова, қўшимча; **в те́ксте не́сколько** ~ок текстга бир неча қўшимча киритилган.

ВНУК *м* 1 набира, невара (ўғил невара); 2 *мн.* ~и авлод, насл, уруғ.

ВНУ́ТРЕННЕ *нареч.* дилда, ичда, кўнгилда; дилдан, юракдан, ич-ичдан.

ВНУ́ТРЕНН/ИЙ, -яя, -ее 1 ички, ичкаридаги, ичидаги; ~**ие сте́ны** ички деворлар; ~**ие о́рганы** ички органлар; ~**ие боле́зни** ички касалликлар; ич касалликлари; ~**ие во́ды** ички сувлар (мамлакат ичкарисидаги денгиз ва дарёлар); ~ее **повреждение** ички шикаст, ичидан шикастланиш (бузилиш); 2 ички, дохилий; ~**яя поли́тика** ички сиёсат; ~**яя торго́вля** ички савдо; 3 ички, ичдаги, кўнгилдаги, ботиний, руҳий, маънавий, кишининг табиатида бўлган; **бога́тый** ~**ий мир челове́ка-творца́** ижодкор инсоннинг бой ички (маънавий) дунёси; ~ее **благоро́дство** кишининг табиатидаги олижаноблик; 4 ички, замиридаги, негизидаги, узвий; ~**яя связь собы́тий** воқеаларнинг ички боғланиши.

ВНУТРЕННОСТ/Ь *ж* 1 ички томон, ич, ичкари; ботин; ~ь до́ма уйнинг ичи; 2 *уст.* ичидаги бор нарса; қақир-қуқур, лаш-луш; 3 *мн.* ~и ич, қорин, ичак-чавоқ.

ВНУТРИ́ 1 *нареч.* ичида, ичкарида, ўртасида, орасида; ~ **ти́хо и темно́** ичкарида жимжитлик ва зулмат; **находи́ться** ~ ичида (орасида) бўлмоқ, турмоқ; 2 *предлог с р.* ичида; ўртасида; -да; ~ **зда́ния** бино ичида; бинода.

ВНУТРИАТОМН/ЫЙ, -ая, -ое атом ичидаги, атом ичида бўлган; ~**ая эне́ргия** атом ичидаги энергия, атомнинг ички энергияси.

ВНУТРИВЕ́ННО *нареч.* венага, венанинг ичига.

ВНУТРИВЕ́ННЫЙ, -ая, -ое вена (кўктомир) ичидаги, венадаги; ~**ое давле́ние** венадаги босим; ~**ое влива́ние** венага қон (ёки дори) қуйиш (юбориш).

ВНУТРИВИДОВ/О́Й, -а́я, -о́е турлараро, турлар ичидаги, орасидаги; ~**а́я гибридиза́ция** турлараро гибридизация, турларни ўзаро гибридлаш.

ВНУТРИЗАВОДСКО́Й, -а́я, -о́е завод ичидаги; ~ **тра́нспорт** завод ичидаги транспорт; заводнинг ички транспорти.

ВНУТРИМЫ́ШЕЧНО *нареч.* мускулга, мускуллар ичига, орасига.

ВНУТРИМЫ́ШЕЧНЫЙ, -ая, -ое мускуллар ичидаги, орасидаги.

ВНУТРИПАРТИ́ЙН/ЫЙ, -ая, -ое партия ичидаги, партия доирасида бўлган; ~**ая демокра́тия** партия ички демократияси; ~**ая диску́ссия** партия ичидаги дискуссия.

ВНУТРИПОЛИТИ́ЧЕСК/ИЙ, -ая, -ое ички сиёсатга оид; ички сиёсий; ички сиёсат...; ~**ое положе́ние** ички сиёсий аҳвол.

ВНУТРИЯ́ДЕРНЫЙ, -ая, -ое ядро ичидаги, ядро ичида бўлган.

ВНУТРЬ 1 *нареч.* ичига, ичкарига, ичкари томонга; **приня́ть лека́рство** ~ дори (дорини) ичмоқ; **войти́** ~ ичкарига (ичига) кирмоқ; **дверь открыва́ется** ~ эшик ичкарига очилади; 2 *предлог с р.* ичида, ичкарисида, ичкари томонида; ичига, ичкарига, ичкари томонига; **попа́сть** ~ **пеще́ры** ғорнинг ичига кирмоқ.

ВНУЧА́ТА *мн.* набиралар, невaралар; невара-чевара.

ВНУЧА́ТНЫЙ и **ВНУЧА́ТЫЙ, -ая, -ое** уч қорин нари қариндош (уруғ); ~ **брат** уч қорин нари ака ёки ука (мас., амакиваччанинг ўғли).

ВНУЧЕ́К *м, р.* **-чка** *уменьш.-ласк. от* **внук.**

ВНУ́ЧКА *ж, р. мн.* **-чек** набира, невара (қиз).

ВНУША́ТЬ *несов. см.* **внуши́ть.**

ВНУШЕ́НИ/Е *с* 1 *по гл.* **внуши́ть**; **по** ~**ю това́рищей** дўстларнинг гапига ишониб; 2 иноптириш, ихлос туғдириш, гипноз; **лечи́ть** ~ем иноптириш (гипноз) йўли билан даволаш; 3 қойиш; танбех; ўгит, панд-насиҳат.

ВНУШИ́ТЕЛЬНО *нареч.* 1 таъсирли (равишда қилиб); ~ **сказа́ть** таъсирли қилиб айтмоқ; 2 ҳайбат солиб, савлат тўкиб, салобат билан, салобатли; **вы́глядеть** ~ салобатли (ҳайбатли) кўринмоқ.

ВНУШИ́ТЕЛЬНОСТЬ *ж* 1 салобатлилик, савлатлилик; савлат, салобат, ҳайбат, маҳобат; 2 улканлик, буюклик, зўрлик, каттalik.

ВНУШИ́ТЕЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое; -лен, -льна 1 зўр таассурот туғдирадиган, таъсир кўрсатадиган, ҳайбатли, савлатли, салобатли; ~**ый го́лос** таъсирли овоз; ~**ая фигу́ра** савлатли қиёфа; 2 зўр, улкан, буюк, катта; ~**ый успе́х** улкан муваффақият.

ВНУШИ́ТЬ *сов. (несов.* **внуша́ть**) *что кому* 1 таъсир кўрсатиб (ёки гап билан) ишонтирмоқ; иноптирмоқ, кўнглига солмоқ, маъқул қилмоқ; уқтирмоқ; ~ *кому-л. какую-л.* **мысль** кимсага бирор фикрни уқтирмоқ; 2 бирор ҳис туғ-

www.ziyouz.com kutubxonasi

дирмоқ, уйғотмоқ; ~ **отвраще́ние** нафрат ҳиссини уйғотмоқ; нафрат туғдирмоқ; 3 ўргатмоқ, панд-насиҳат қилмоқ.

ВНЯ́ТНО *нареч.* аниқ (равшан, тушунарли) қилиб, дона-дона; **говори́ть** ~ тушунарли қилиб гапирмоқ.

ВНЯ́ТНОСТЬ *ж* аниқлик, равшанлик, тушунарлилик; ~ **произноше́ния** талаффузнинг аниқлиги; ~ **ре́чи** нутқнинг аниқлиги (тушунарлилиги).

ВНЯТН/ЫЙ, **-ая**, **-ое**; **-тен**, **-тна** 1 аниқ, равшан, дона-дона; ~**ое чте́ние** равшан (аниқ, дона-дона) ўқиш; 2 тушунарли; ~**ый отве́т** тушунарли жавоб.

ВНЯ́ТЬ *сов. кому-чему* 1 *см.* **внима́ть** 1; 2 илтифот билан қарамоқ, эътибор бермоқ, қулоқ солмоқ; ~ **про́сьбам това́рища** ўртоғининг илтимосига қулоқ солмоқ.

ВО *см.* **в.**

ВО- *см.* **в-**

ВО́БЛА *ж* вобла (балиқнинг бир тури).

ВОБРА́/ТЬ, **вберу́**, **вберёшь** *сов. (несов.* **вбира́ть**) *что* 1 шиммоқ, тортмоқ, сўрмоқ, сингдирмоқ; сўриб (шимиб, тортиб) олмоқ; ичига тортмоқ; **моча́лка** ~**ла во́ду** мочалка сувни шимиб олди; ~**ть в грудь во́здух** кўкракни кериб ҳаво олмоқ; 2 ўз ичига олмоқ, ўз таркибига қўшмоқ; ✦ ~**ть го́лову в пле́чи** бошини танаси ичига тортиб олмоқ (елкасини қисмоқ).

ВОБРА́ТЬСЯ, **вберётся** *сов. (несов.* **вбира́ться**) сўрилмоқ, шимилмоқ, сингмоқ.

ВОВЕ́К и **ВОВЕ́КИ** *нареч.* 1 абадий, мангу, умрбод, доимо; 2 ҳеч вақт, ҳеч қачон, сира, асло; ~ **не умрёт сла́ва па́вших геро́ев** жонини фидо қилган қаҳрамонлар ҳеч қачон ўлмайди (асло унутилмайди).

ВОВЛЕКА́ТЬ *несов. см.* **вовле́чь.**

ВОВЛЕКА́ТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **вовле́чься**; 2 *страд. от* **вовлека́ть.**

ВОВЛЕЧЕ́НИЕ *с по гл* **вовле́чь** и **вовле́чься.**

ВОВЛЕ́ЧЬ, **-еку́**, **-ечёшь**; **-ёк**, **-екла́** *сов. (несов.* **вовлека́ть**) *кого-что во что* тортмоқ, жалб қилмоқ, қатнаштирмоқ; эргаштирмоқ; ~ **шко́льников в кружкову́ю рабо́ту** мактаб ўқувчиларини тўгарак ишларига тортмоқ.

ВОВЛЕ́ЧЬСЯ, **-еку́сь**, **-ечёшься**; **-ёкся**, **-екла́сь** *сов. (несов.* **вовлека́ться**) *во что* қўшилмоқ, тортилмоқ; ~ **в бесе́ду** суҳбатга қўшилмоқ.

ВОВНЕ́ *нареч.* ташқарисида, ташида, сиртида; -дан; ташқари, холи, хориж.

ВОВНУ́ТРЬ *нареч.* и *предлог прост. то же, что* **внутрь.**

ВОВРЕ́МЯ *нареч.* ўз вақтида, айни пайтида, мавридида, белгиланган муддатда; вақтини ўтказмасдан; **приходи́ть** ~ ўз вақтида келмоқ; **не** ~ бемаврид.

ВО́ВСЕ *нареч. разг.* 1 ҳеч, сира, асло, мутлақо; сира ҳам, бутунлай; минбаъд; **я** ~ **э́того не говори́л** мен ҳеч бундай деган эмасман; 2 *в знач. частицы* ҳеч-да; ~ **нет** ҳеч-да.

ВОВСЮ *нареч. разг.* жони (кучи) борича, астойдил; баралла; **бежа́ть** ~ кучи борича югурмоқ; **луна́ све́тит** ~ ой баралла нур сочмоқда.

ВО-ВТОРЫ́Х *вводн. сл.* иккинчидан, иккиламчи.

ВОГНА́ТЬ, **вгоню́**, **вго́нишь** *сов. (несов.* **вгоня́ть**) *кого-что во что* 1 ҳайдаб киргизмоқ; 2 *разг.* қоқмоқ, суқмоқ, тиқмоқ; қоқиб (уриб) киргизмоқ; ~ **клин** понани қоқиб киргизмоқ, понани қоқмоқ; ~ **шприц** шприцни тиқмоқ; 3 *перен. разг.* бирор ҳолатга солмоқ, дучор (гирифтор) қилмоқ; ~ **в слёзы** йиғлатмоқ; ~ **в чахо́тку** сил қилмоқ; ~ **в кра́ску** уялтирмоқ, қизартирмоқ, изза қилмоқ; ✦ ~ **в пот** терга ботирмоқ, терга ботириб ишлатмоқ; ~ **в гроб** адо қилмоқ, гўрга киргизмоқ.

ВО́ГНУТОСТЬ *ж* 1 ботиқлик, эгилганлик; 2 ботиқ жой, ботиқ.

ВОГНУТ/ЫЙ, **-ая**, **-ое** 1 *прич. от* **вогну́ть**; 2 *в знач. прил.* ботиқ, ичига ботган; ботинқи; ~**ое стекло́** ботиқ шиша.

ВОГНУ́ТЬ *сов. (несов.* **вгиба́ть**) *что* букмоқ, қайирмоқ, ўймоқ, эгмоқ.

ВОГНУ́ТЬСЯ, **-нётся** *сов. (несов.* **вгиба́ться**) букилмоқ, эгилмоқ; қайрилмоқ, ўйилмоқ.

ВОГУ́ЛЫ *мн. (ед.* **вогу́л** *м,* **вогу́лка** *ж) уст.* вогуллар (манси халқининг эски номи).

ВОДА́ *ж* 1 сув; **прото́чная** ~ оқар сув; **родниковая** ~ булоқ суви; **грунто́вая** ~ ер ости суви, сизот сув; **дождева́я** ~ ёмғир суви; **питьева́я** ~ ичиладиган (ичишга ярайдиган, ичимли) сув; **пре́сная** ~ чучук сув; **соле́ная** ~ шўр сув; **фрукто́вая** ~ мева суви (шарбати); **минера́льная** ~ минерал сув; **весе́нние во́ды** баҳор сувлари; 2 *мн.* **во́ды** сув ҳавзалари, сувлар (дарёлар, кўллар, денгизлар); **вну́тренние во́ды Сове́тского Сою́за** Совет Иттифоқининг ички сувлари; 3 *мн.* **во́ды** шифоли (шифобахш) сувлар, минерал сувлар; 4 *в знач. нареч.* **водо́й** сув орқали, сув йўли билан; 5 *мн.* **во́ды** *разг. то же, что* **околоплодные во́ды** *см.* **околоплодный**; ✦ **чи́стой (чисте́йшей) воды** *кто-что* асл, тоза, соф; **бриллиа́нт чи́стой (или чисте́йшей) воды** асл (тоза) бриллиант; **жёлтая** ~ *мед.* сариқ сув (кўз оғриғи); **толо́чь во́ду (в сту́пе)** ўгирда сув туймоқ, ғалвирда сув ташимоқ (беҳуда, бефойда иш билан овора бўлмоқ); **как (бу́дто, сло́вно) в во́ду опу́щенный** сувга тушган мушукдек (бўлка нондек); **мно́го воды́ утекло́** орадан кўп вақт (қанча вақтлар) ўтиб кетди; у вақтдаги тераклар кесилиб кетди; **водо́й не разли́ть (не разольёшь)** *кого* ораларидан гил ўтмайди, жуда қалин, ажралмас (дўст, оғайни); **как (бу́дто, сло́вно) в во́ду ка́нул** *см.* **ка́нуть**; **как с гуся́** ~ *кому* сиртига сув юқтирмайди; **ему́ как с гуся́** ~ дунёни сув олса тўпиғига ҳам чиқмайди, нарвойи фалагига келтирмайди; **вы́йти сухи́м из воды́** сувдан қуруқ чиқмоқ, осонгина қутулиб кетмоқ; **набра́ть воды́ в рот** индамаслик; гапирмаслик; **как во́ды в рот набра́л** оғзига сўк (толқон) солгандай; **как две ка́пли воды́** (похо́ж) *на кого см.* **ка́пля**; **вы́вести на чи́стую** (или **на све́жую**) **во́ду** сирини фош қилмоқ, кирдикорини (сир-асрорини) очиб ташламоқ; **ти́ше воды́, ни́же травы́** қўйдек ювош, мусичадек беозор; **на воде́ ви́лами пи́сано** *см.* **ви́лы**; **как в во́ду гляде́л** худди кўриб тургандек (билгандек); **жива́я** ~ *см.* **живо́й**; **мёртвая** ~ *см.* **мёртвый**; **седьма́я** (или **деся́тая**) ~ **на киселе́** авағамнинг авағаси, умуртқанинг шўрваси; **тёмная** ~ очиқ кўр; **лить во́ду на чью ме́льницу** бировнинг тегирмонига сув қуймоқ; бировнинг фойдасига иш қилмоқ; **мути́ть во́ду** *см.* **мути́ть**; **воды́ не замути́т** ювош, қўй оғзидан чўп олмаган.

ВОДВОРИ́ТЬ *сов. (несов.* **водворя́ть**) 1 *кого-что* кўчириб киргизмоқ, ўрнаштирмоқ; жойлаштирмоқ; ~ *кого-л.* **в но́вый дом** кимсани янги уйга жойлаштирмоқ; 2 *что* қайтариб жойига қўймоқ; 3 *перен. что* барпо қилмоқ, тикламоқ, ўрнатмоқ; ~**тишину́** тинчлик ўрнатмоқ.

ВОДВОРИ́ТЬСЯ *сов. (несов.* **водворя́ться**) 1 кўчиб кирмоқ, кўчиб бормоқ; кўчиб бориб (келиб) ўрнашмоқ, жойлашмоқ; 2 жойига қайтиб келмоқ; қайтариб қўйилмоқ; ~ **на ме́сто** ўз жойига қайтмоқ (қайтариб қўйилмоқ); 3 *перен.* ўрнатилмоқ, тикланмоқ.

ВОДВОРЯ́ТЬ *несов. см.* **водвори́ть.**

ВОДВОРЯ́ТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **водвори́ться**; 2 *страд. от* **водворя́ть.**

ВОДЕВИ́ЛЬ *м* водевиль (бир-икки актли кичик комедия).

ВОДЕВИ́ЛЬНЫ/Й, **-ая**, **-ое** водевилга оид; водевил...; ~**е купле́ты** водевиль куплетлари.

ВОДИ́ТЕЛЬ *м* ҳайдовчи; ~ **тролле́йбуса** троллейбус ҳайдовчи(си).

ВОДИ́ТЕЛЬСКИ/Й, **-ая**, **-ое** ҳайдовчига оид; ҳайдовчи(лар)...; ~**е права́** ҳайдовчи гувоҳномаси.

ВОДИ́ТЕЛЬСТВО *с высок.* етакчилик, раҳбарлик, йўлбошчилик; раҳнамолик; **войска́ под** ~**м ма́ршала** маршал бошчилигидаги қўшин; **под** ~**м па́ртии** партия йўлбошчилигида (етакчилигида).

ВОДИ́ТЬ, **вожу́**, **во́дишь** *несов. (многокр.* **ва́живать** I) 1 *то же, что* **вести́** 1—3, 5; 2 алоқада бўлмоқ, муносабатда бўлмоқ; борди-келди қилмоқ; ✦ ~ **хлеб-соль** *с кем* дўстлашмоқ, дўст бўлмоқ; ~ **за́ нос** лақиллатмоқ, алдамоқ; ~ **на помоча́х** етаклаб юрмоқ, йўлга солмоқ.

ВОДИ́ТЬСЯ, **вожу́сь**, **во́дишься** *несов.* 1 алоқада бўлмоқ, дўстона муносабатда бўлмоқ; борди-келди қилмоқ; 2 бор бўлмоқ, яшамоқ; **в на́ших места́х во́дятся джейра́ны** бизнинг жойларда жайранлар бор; ✦ **как во́дится** одатдагидай, одатдагича.

ВОДИЦ/А *ж ласк. от* **вода́** 1; **испи́ть** ~**ы** сув ичмоқ.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ВОДИЧКА *ж ласк. от* **вода́** 1.

ВО́ДКА *ж* арақ; **царская ~** бир улуш азот кислотаси билан уч улуш сульфат кислота аралашмаси.

ВО́ДНИК *м* сув транспорти ходими.

ВОДНОЛЫ́ЖНИК *м* сув чанғиси спорти билан шуғулланувчи спортчи.

ВОДНОЛЫ́ЖНИЦА *ж см.* **воднолы́жник.**

ВОДНОЛЫ́ЖНЫЙ, -ая, -ое сув чанғиси спортига оид; сув чанғиси спорти...; **~ спорт** сув чанғиси спорти.

ВО́ДНОСТЬ *ж* сувнинг оз-кўплиги, серсувлик ёки камсувлик (сув ҳавзалари ҳақида).

ВО́ДН/ЫЙ, -ая, -ое сувга оид; сувдаги; сувли; сув...; **~ый раство́р йо́да** йоднинг сувли (сувдаги) эритмаси; **~ая ста́нция** сув станцияси; **~ые процеду́ры** сув процедуралари (ванна, душ ва ҳ. к.).

ВОДОБО́Й *м* водобой (сув ўзанининг тўғондан кейинги мустаҳкамланган қисми).

ВОДОБОЯЗНЬ *ж* қутуриш (касаллиги).

ВОДОВО́З *м* сув ташувчи (арава ёки машинада).

ВОДОВО́ЗКА *ж, р. мн.* **-зок** сув ташийдиган от.

ВОДОВО́З/НЫЙ, -ая, -ое сув ташийдиган; сув ташиш...; **~ая цисте́рна** сув ташийдиган цистерна.

ВОДОВОРО́Т *м* 1 гирдоб, айланма; **лодка попа́ла в ~** қайиқ гирдобга тушиб қолди; 2 *перен. чего* или *какой* шиддатли оқим, тўлқин, гирдоб; **~ жи́зни** ҳаёт гирдоби.

ВОДОГРЕ́ЙКА *ж, р. мн.* **-е́ек** 1 сув қайнатадиган (ёки иситадиган) асбоб; 2 *то же, что* **водогре́йня.**

ВОДОГРЕ́ЙНЫЙ, -ая, -ое сув қайнатадиган (ёки иситадиган); **~ котёл** сув қайнатадиган (иситадиган) қозон.

ВОДОГРЕ́ЙНЯ *ж* сув иситадиган хона.

ВОДОЁМ *м* ҳавза; ҳовуз; **иску́сственный ~** сунъий ҳавза; сардоба; **есте́ственные ~ы** табиий сув ҳавзалари.

ВОДОЗАБО́Р *м* 1 дарё ёки сув омборидан сув олиш, чиқариш (далага, водопровод системасига ва ҳ. к.); 2 водозабор (шундай мақсадларда сув олиш, чиқариш иншооти).

ВОДОЗАБО́РН/ЫЙ, -ая, -ое сув олиш..., сув чиқариш...; **~ое сооруже́ние** сув олиш (чиқариш) иншооти.

ВОДОЗАЩИ́ТН/ЫЙ, -ая, -ое сувдан (намдан) сақлайдиган; **~ая ткань** сув (намлик) ўтказмайдиган газлама.

ВОДОИЗМЕРИ́ТЕЛЬНЫ/Й, -ая, -ое сув оқимининг тезлигини ва сув сарфини ўлчайдиган; сув ўлчагич; **~е прибо́ры** сув ўлчагич асбоблар.

ВОДОИЗМЕЩЕ́НИЕ *с* кеманинг сув сиғими (кеманинг сувга ботадиган қисми ҳажми); **та́нкер ~м 80 ты́сяч тонн** сув сиғими 80 минг тоннали танкер.

ВОДОКА́ЧКА *ж, р. мн.* **-чек** водокачка (сув чиқарувчи насослар ўрнатилган бино).

ВОДОЛА́З *м* 1 ғаввос; 2 чўкканларни қутқарадиган кит.

ВОДОЛА́ЗНЫ/Й, -ая, -ое ғаввосларга ва ғаввосликка оид; ғаввос(лар)...; ғаввослик...; **~й костю́м** ғаввослар кийими; **~е рабо́ты** ғаввослик ишлари.

ВОДОЛЕ́Й *м* 1 *то же, что* **водоли́в** 1; 2 *разг. неодобр.* серган одам; бемаъни ёзувчи; гапининг тузи йўқ нотиқ; 3 *астр.* Далв (ўн икки буржнинг бири).

ВОДОЛЕЧЕ́БНИЦА *ж* сув шифохонаси (сув билан даволайдиган шифохона).

ВОДОЛЕЧЕ́БНЫ/Й, -ая, -ое сув билан даволайдиган; сув билан даволаш...; **~е процеду́ры** сув билан даволаш процедуралари.

ВОДОЛЕЧЕ́НИЕ *с* сув билан даволаш.

ВОДОЛИ́В *м* 1 қовғачи (кемаларда сув чиқарувчи ишчи); 2 баржа (ёки кема) ишчиларининг бошлиги.

ВОДОЛЮБИ́ВЫЙ, -ая, -ое сувни яхши кўрадиган (ўсимликлар ҳақида).

ВОДОМЕ́Р *м* водомер, сув ўлчагич (сувнинг сарфини ўлчайдиган асбоб).

ВОДОМЕ́РН/ЫЙ, -ая, -ое сув сатҳини ўлчайдиган (кўрсатувчи); **~ое стекло́** сув сатҳини ўлчайдиган (кўрсатувчи) шиша найча; **~ый пост** сув сатҳини ўлчаш пости.

ВОДОМО́ЙКА *ж* ўпқон, сув ўйиб кетган ер.

ВОДОНАПО́РН/ЫЙ, -ая, -ое сув босимини ҳосил қиладиган; **~ая ба́шня** сув босимини ҳосил қиладиган минора, сув минораси.

ВОДОНЕПРОНИЦАЕМЫ/Й, -ая, -ое сув (нам) ўтказмайдиган, сув (нам) ўтмайдиган; **~е ткани** сув ўтказмайдиган газмоллар.

ВОДОНО́С *м* сув ташувчи, мешкоп.

ВОДОНО́СНОСТЬ *ж* сувининг (намининг) оз-кўплиги; **~ пласта́** қатламнинг суви оз ёки кўплиги.

ВОДОНО́СНЫЙ, -ая, -ое нам сақлайдиган, сувли, намли; **~ слой** ернинг нам сақлайдиган қатлами.

ВОДООТВО́Д *м* оқова ариқ, сувини (захни, намини) қочирадиган зовур.

ВОДООТВО́ДН/ЫЙ, -ая, -ое сув ташлайдиган; сувни (захни, намни) қочирадиган, сув чиқарадиган; **~ый кана́л** сув ташлайдиган (ёки чиқарадиган) канал; **~ая труба́** сувни қочирадиган труба.

ВОДООТЛИ́В *м* сувни чиқариб ташлаш (мас., кондан, кемадан ва ҳ. к.).

ВОДООТЛИ́ВНЫЙ, -ая, -ое ортиқча сувни чиқариб ташлайдиган.

ВОДООТТАЛКИВАЮЩ/ИЙ, -ая, -ее сув юқмайдиган; **~ая ткань** сув юқмайдиган мато.

ВОДООЧИСТКА *ж* сувни тозалаш.

ВОДООЧИСТИ́ТЕЛЬНЫ/Й, -ая, -ое сувни тозалайдиган; **~й фильтр** сувни тозалайдиган фильтр, сузғич; **~е сооруже́ния** сувни тозалайдиган иншоотлар.

ВОДООЧИСТНО́Й, -а́я, -о́е *то же, что* **водоочисти́тельный.**

ВОДОПА́Д *м* шаршара, шалола, шовва.

ВОДОПЛАВАЮЩ/ИЙ: ~ая пти́ца *собир.* сузувчи қушлар; сувда яшайдиган парранда.

ВОДОПОДЪЁМНИК *м* сув чиқарувчи (кўтарувчи) иншоот.

ВОДОПОДЪЁМН/ЫЙ, -ая, -ое сув чиқарадиган (кўтарадиган); сув тортадиган; **~ый наcóс** сув чиқарадиган (тортадиган) насос; **~ое колесо́** сув чиқарадиган ғилдирак (паррак).

ВОДОПО́Й *м* 1 сувлоқ (молларни суғорадиган, ҳайвонлар, қушлар сув ичадиган жой); **пригна́ть скот на ~** молларни сувлоққа ҳайдаб олиб бормоқ (келмоқ); 2 суғориш (ҳайвонларни).

ВОДОПО́ЙН/ЫЙ, -ая, -ое сувлоққа ва суғоришга оид; сувлоқ...; суғориш...; **~ая площа́дка** суғориш майдончаси.

ВОДОПО́ЛЬЗОВАНИЕ *с* сувдан фойдаланиш.

ВОДОПО́ЛЬЗОВАТЕЛЬ *м* сувдан фойдаланувчи (ташкилот, шахс ва ҳ. к.).

ВОДОПРИЁМНИК *м* сув олиш қурилмаси.

ВОДОПРИЁМНЫЙ, -ая, -ое сув олишга оид; сув олиш...

ВОДОПРОВО́Д *м* водопровод.

ВОДОПРОВО́ДН/ЫЙ, -ая, -ое водопроводга оид; водопровод...; **~ая вода́** водопровод суви; **~ая сеть** водопровод тармоги.

ВОДОПРОВО́ДЧИК *м* водопроводчи.

ВОДОПРОНИЦАЕМЫЙ, -ая, -ое сув ўтказадиган, сув ўтиб кетадиган; **~ слой** сув ўтказадиган қатлам.

ВОДОРАЗБО́РН/ЫЙ: ~ая коло́нка сув олинадиган колонка, водопровод колонкаси.

ВОДОРАЗДЕ́Л *м* 1 *геогр.* сув айирғич, алиш; 2 *перен.* айирғич, чегара.

ВОДОРЕ́З *м* сув кескич (кеманинг тумшуғи).

ВОДОРО́Д *м* водород.

ВОДОРО́ДИСТЫЙ, -ая, -ое водородли.

ВОДОРО́ДН/ЫЙ, -ая, -ое водородга оид; водородли; водород...; **~ый а́том** водород атоми; **~ые соедине́ния** водородли бирикмалар; **~ая бо́мба** водород бомба(си).

ВОДОРО́СЛИ *мн. (ед.* **во́доросль** *ж)* сув ўтлари (ўсимликлари).

ВОДОСБО́Р *м* 1 сув тўплаш; 2 сув тўплайдиган гидротехник иншоот.

ВОДОСБО́РНЫЙ, -ая, -ое *гидротех.* сув тўплайдиган; сув тўплаш...

ВОДОСБРО́С *м* 1 обпартов, оқова ариқ, сув ташлайдиган иншоот; 2 ортиқча сувни чиқариш.

ВОДОСКА́Т *м* шовва; сув шариллаб оқадиган нишаблик, пастлик.

ВОДОСЛИ́В *м то же, что* **водосбро́с** 1.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ВОДОСНАБЖЕ́НИЕ *с* сув билан таъминлаш, сув таъминоти.

ВОДОСПУ́СК *м* сув бўшатма, сув омборидан тўғон орқали сув чиқариб юбориладиган иншоот.

ВОДОСТО́К *м* 1 нов, тарнов, қувур; 2 оқова сувларни табиий сув омборларига ўтказадиган трубалар.

ВОДОСТО́ЧНЫ/Й, -ая, -ое сув оқиб тушадиган; ~**е тру́бы** тарнов.

ВОДОТО́К *м* очиқ сув оқимлари (дарё, канал ва б.).

ВОДОТРУ́БНЫЙ: ~ **котёл** сув трубали буғ қозони.

ВОДОУПО́РН/ЫЙ, -ая, -ое сувга чидайдиган, сув таъсир қилмайдиган; сувбардош; ~**ая гли́на** сувбардош лой.

ВОДОХРАНИ́ЛИЩЕ *с* сув омбори, сув ҳавзаси.

ВОДО́ЧНЫЙ, -ая, -ое зараққа оид; арақли; арақ...; ~ **за́пах** арақ ҳиди; ~ **заво́д** арақ заводи.

ВОДРУЖА́ТЬ *несов. см.* **водрузи́ть.**

ВОДРУЖА́ТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **водрузи́ться;** 2 *страд. от* **водружа́ть.**

ВОДРУЗИ́ТЬ, -ужу́, -узи́шь *сов.* (*несов.* **водружа́ть**) *что высок.* тикмоқ, қадамоқ, ўрнатмоқ; ~ **зна́мя** байроқ ўрнатмоқ.

ВОДРУЗИ́ТЬСЯ, -ужу́сь, -узи́шься *сов.* (*несов.* **водружа́ться**) тикилмоқ, ўрнатилмоқ, қадалмоқ.

ВОДЯ́НИСТЫЙ, -ая, -ое 1 суви кўп, серсув, сернам; лиққо; ~ **кисе́ль** серсув кисель; ~ **карто́фель** серсув картошка; 2 рангсиз, ранғпар; 3 *перен. разг.* бемаза, мазмунсиз, қуруқ; ~ **докла́д** мазмунсиз (қуруқ) доклад.

ВОДЯ́НКА *ж мед.* истисқо.

ВОДЯ́Н/ОЙ I, -а́я, -о́е 1 сувга оид; сувли, сув; ~**ы́е ка́пли** сув томчилари; 2 сувда бўладиган, яшайдиган; сув...; ~**о́й жук** сув қўнғизи; 3 сув кучи билан ҳаракатга келадиган, ишлайдиган; сув...; ~**а́я ме́льница** сув тегирмони; ✦ ~**о́й знак** сув қоғоздаги белги (қуёшга, ёруққа тутганда кўринадиган сурат, рақам, белги).

ВОДЯ́НОЙ II *м, р.* **-о́го** *миф.* сув албастиси, сувдаги жин, пари ва ҳ. к.

ВОЕВА́/ТЬ, вою́ю вою́ешь *несов.* 1 урушмоқ, уруш олиб бормоқ; урушда қатнашмоқ; ~**ть до после́днего патро́на** бир дона ўқ қолгунча урушмоқ; **он ~л на Пе́рвом Украи́нском фро́нте** у Биринчи Украина фронтидаги жангларда қатнашган; 2 *перен. с кем-чем прост.* курашмоқ, кураш (жанг) олиб бормоқ; ~**ть с пережи́тками про́шлого** ўтмиш қолдиқларига қарши курашмоқ.

ВОЕВО́ДА *м* воевода (1 қадимги Русда: аскар бошлиғи, аскарбоши, шунингдек вилоят ёки шаҳар ҳокими; 2 Польшада: воеводство бошлиғи).

ВОЕВО́ДСТВО *с* 1 *ист.* воеводалик, саркардалик; 2 *уст.* воевода қўл остидаги вилоят; 3 воеводство (Польшада маъмурий-территориал бўлиниш).

ВОЕДИ́НО *нареч. книжн.* бирга, биргаликда, бир бутун қилиб (ёки бўлиб).

ВОЕНАЧА́ЛЬНИК *м* қўшин (лашкар) бошлиғи, лашкарбоши, саркарда, қўмондон, командир.

ВОЕНИЗА́ЦИЯ *ж по гл.* **военизи́ровать** и **военизи́роваться;** ~ **промы́шленности** саноатни ҳарбийлаштириш; саноатнинг ҳарбийлашуви.

ВОЕНИЗИ́РОВАТЬ *сов.* и *несов.* 1 ҳарбийлаштирмоқ, уруш эҳтиёжларини таъминлашга қаратмоқ, урушга мослаштирмоқ; ~ **обуче́ние** ўқишни уруш шароитига мослаштириш; 2 ҳарбийлаштирмоқ, ҳарбий ишга ўргатмоқ; ҳарбий таълим бермоқ.

ВОЕНИЗИ́РОВАТЬСЯ, -руется 1 *сов.* и *несов.* ҳарбийлашмоқ; уруш шароитига мосланмоқ; 2 *несов. страд. от* **военизи́ровать.**

ВОЕНИЗИ́РОВАННЫЙ, -ая, -ое ҳарбийлашган; ҳарбийлаштирилган; ~**ая охра́на** ҳарбийлашган (ҳарбийлаштирилган) соқчилар.

ВОЕНКО́М *м* (вое́нный комиссар) ҳарбий комиссар.

ВОЕНКОМА́Т *м* (вое́нный комиссариа́т) ҳарбий комиссариат.

ВОЕНКОМА́ТСКИЙ, -ая, -ое *разг.* ҳарбий комиссариатга оид; ҳарбий комиссариат...

ВОЕНКОМО́ВСКИЙ, -ая, -ое *разг.* ҳарбий комиссарга оид; ҳарбий комиссар...

ВОЕ́ННО-ВОЗДУ́ШНЫ/Й, -ая, -ое ҳарбий-ҳаво...; ~**е си́лы** ҳарбий-ҳаво кучлари.

ВОЕ́ННО-МО́РСК/ОЙ, -а́я, -о́е ҳарбий-денгиз...; ~**ие си́лы** ҳарбий денгиз кучлари.

ВОЕ́ННООБЯ́ЗАННАЯ *ж, р.* **-ой** *см.* **военнообя́занный.**

ВОЕ́ННООБЯ́ЗАННЫЙ *м, р.* **-ого** ҳарбий хизмат ёшидаги киши; запасдаги ҳарбий ходим.

ВОЕ́ННОПЛЕ́ННЫЙ *м, р.* **-ого** ҳарбий асир.

ВОЕ́ННО-ПОЛЕВО́Й, -а́я, -о́е ҳарбий-дала; ~ **суд** ҳарбий-дала суди.

ВОЕ́ННОСЛУ́ЖАЩАЯ *ж, р.* **-ей** *см.* **военнослу́жащий.**

ВОЕ́ННОСЛУ́ЖАЩИЙ *м, р.* **-его** ҳарбий хизматдаги киши, ҳарбий ходим.

ВОЕ́ННЫЙ, -ая, -ое 1 урушга оид, уруш билан боғланган, уруш учун белгиланган; ҳарбий; уруш...; ~**ое вре́мя** уруш даври (вақти); ~**ое положе́ние** ҳарбий ҳолат; ~**ые де́йствия** уруш ҳаракатлари; ~**ый заво́д** ҳарбий завод; ~**ый зака́з** ҳарбий заказ; 2 армияга оид; армия хизмати билан боғланган, ҳарбий; ~**ый уста́в** ҳарбий устав; ~**ая дисципли́на** ҳарбий интизом; ~**ый врач** ҳарбий врач; ~**ое де́ло** ҳарбий иш; 3 ҳарбийларга оид, хос; ҳарбийча, ҳарбий; ~**ая фо́рма** ҳарбий (ҳарбийча) кийим; ~**ая вы́правка** ҳарбийча қадди ростлик; 4 *в знач. сущ.* ~**ый** *м разг. то же, что* **военнослу́жащий;** ✦ ~**ый коммуни́зм** *см.* **коммуни́зм.**

ВОЕНРУ́К *м* (вое́нный руководи́тель) ҳарбий таълим раҳбари.

ВОЕ́НЩИНА *ж* 1 *собир.* агрессив ҳарбийлар, тажовузкор ҳарбий доиралар; 2 чекланиб қолган ҳарбийларнинг тор дунёқараши.

ВОЖА́К *м, р.* **-а́** 1 етакловчи, етаклаб (бошлаб) борувчи; йўл кўрсатувчи; ~ **с медве́дем** айиқ ва унинг етакловчиси; 2 пода бошида борувчи ҳайвон (мас., серка); 3 йўлбошчи, раҳбар; **комсомо́льский** ~ комсомоллар йўлбошчиси.

ВОЖА́ТАЯ *ж, р.* **-ой** пионер отрядининг раҳбари (қиз).

ВОЖА́ТЫЙ *м, р.* **-ого** 1 *то же, что* **вожа́к** 1, 2; 2 вожатий (пионерлар отрядининг раҳбари); 3 *то же, что* **вагоновожа́тый.**

ВОЖДЕЛЕ́НИЕ *с* 1 зўр истак, хоҳиш, орзу; суқланиш, кўнгли суст кетиш, қўмсаш, тама; 2 нафс, ҳирс, шаҳват.

ВОЖДЕЛЕ́ННЫЙ, -ая, -ое *книжн.* исталган, хоҳланган, зориқиб кутилган, орзу қилинган; ~**ая цель** зориқиб кутилган (орзу қилинган) мақсад.

ВОЖДЕЛЕ́ТЬ *несов. книжн.* 1 қаттиқ истамоқ, хоҳламоқ, орзу (ёки тама) қилмоқ; 2 шаҳвоний нафси қўзғамоқ.

ВОЖДЕ́НИЕ *с по гл.* **води́ть** 1—3; ~ **дете́й на прогу́лку** болаларни сайрга олиб чиқиш; ~ **корабле́й** кемаларни юритиш.

ВОЖДИ́ЗМ *м неодобр.* якка-ягона доҳийлик; танҳо доҳийликка интилиш.

ВОЖДЬ *м, р.* **-дя́** 1 бошлиқ, сардор; ~ **пле́мени** қабила бошлиғи; 2 *высок.* раҳнамо, сарвар; 3 доҳий, пешво, йўлбошчи.

ВОЖЖА́ТЬСЯ *несов. прост.* кўп овора бўлмоқ, ортиқ уринмоқ, беҳуда машғул бўлмоқ.

ВОЖЖ/И́ *мн.* (*ед.* **вожжа́** *ж*) тизгин, жилов; ✦ ~**и́ под хвост попа́ла** *кому прост.* пайтавасига қурт тушди; **вы́пустить ~и из рук** тизгинни бўшатмоқ, жиловини қўлдан бериб қўймоқ (чиқариб юбормоқ); **прибра́ть ~и к рука́м** или **держа́ть ~и в рука́х** жиловини қўлга олмоқ.

ВОЗ *м, мн.* **-ы́** 1 юкли арава; 2 *чего* аравага ортилган юк миқдори; ~ **дров** бир арава ўтин; 3 *перен. разг.* жуда кўп, бирталай, анча-мунча; **це́лый ~ книг** бир арава (талай, жуда кўп) китоб; ✦ **что с ~у упа́ло, то пропа́ло** тушириб қўйган нарсанг қўлдан кетди (йўқолди) деявер, қўлдан чиқди-кетди; **а ~ и ны́не там** эски ҳаммом, эски тос; бояги-бояги; иш жойидан жилмаган; **весь ~ тяну́ть** ҳамма ишни ўзи бажармоқ, ҳамма оғирликни ўзи (ўз елкасида) кўтармоқ.

ВОЗ-, ВОС- *приставка* феъл олд қўшимча бўлиб: 1) иш-ҳаракатнинг юқорига йўналганлигини билдиради, мас., **вознести́, возвести́;** 2) иш-ҳаракатнинг қайталанганлигини билдиради; мас., **возобнови́ть, возроди́ть, восстанови́ть;** 3)

www.ziyouz.com kutubxonasi

иш-ҳаракатнинг бирор нарсага жавобан қилинганлигини билдиради, мас., **вознагради́ть**; 4) иш-ҳаракатнинг интенсивлигини ёки тугалланганлигини билдиради; мас., **возлюкова́ть, возра́доваться.**

ВОЗБЛАГОДАРИ́ТЬ *сов. кого-что уст.* шукур қилмоқ, миннатдорлик (ташаккур) билдирмоқ; ~ **судьбу́** тақдирга шукур қилмоқ.

ВОЗБРАНИ́ТЬ *сов. (несов.* **возбраня́ть**) *что уст.* тақиқламоқ, ман қилмоқ.

ВОЗБРАНЯ́ТЬ *несов. см.* **возбрани́ть.**

ВОЗБРАНЯ́/ТЬСЯ, -я́ется *несов. уст.* 1 тақиқланмоқ, ман қилинмоқ; **спо́рить никому́ не ~ется** баҳслашиш ҳеч кимга ман қилинмайди; ҳамма баҳслашиши мумкин; 2 *страд. от* **возбраня́ть.**

ВОЗБУДИ́МОСТЬ *ж* 1 тез таъсирланиш, ҳаяжонга келиш, таъсирчанлик; забти торлик, зардаси тезлик; 2 *физиол.* қўзғалувчанлик, сесканувчанлик.

ВОЗБУДИ́МЫЙ, -ая, -ое 1 тез таъсирланадиган, ҳаяжонланадиган, таъсирчан; забти тор, зардаси тез; **легко́ ~ челове́к** тез (салга) ҳаяжонланадиган одам; забти тор одам; 2 *физиол.* қўзғалувчан, сесканувчан.

ВОЗБУДИ́ТЕЛ/Ь *м* 1 *биол.* қўзғатувчи (қўзғатадиган) омил, сабаб; **~и боле́зни** касал қўзғатувчилар; 2 сабабчи; қўзғатувчи; 3 *тех.* уйғотгич, қўзғатгич, индуктор.

ВОЗБУДИ́ТЬ, -ужу́, -уди́шь *сов. (несов.* **возбужда́ть**) 1 *что* қўзғатмоқ, уйғотмоқ, юзага келтирмоқ, туғдирмоқ; тўлқинлантирмоқ; жўштирмоқ; очмоқ; ~ **аппети́т** иштаҳа келтирмоқ, иштаҳани очмоқ; ~ **сомне́ние** шубҳа туғдирмоқ; ~ **интере́с** қизиқиш уйғотмоқ, қизиқтириб қўймоқ; 2 *что* кўтармоқ, қўзғамоқ, қўймоқ; ~ **вопро́с** масала қўймоқ; ~ **иск** даъво қилмоқ; даъвогар бўлиб иш қўзғамоқ; ~ **ходата́йство** илтимос қилмоқ; 3 *кого-что* безовта қилмоқ, асабийлаштирмоқ; асабини қўзғатмоқ, ҳаяжонлантирмоқ; ~ **больно́го** беморни безовта қилмоқ; ~ **не́рвы** асабларни қўзғатмоқ; асабийлаштирмоқ; 4 *кого-что против кого-чего* нафратлантирмоқ, ғазаблантирмоқ, қарши қилиб қўймоқ; оёқлантирмоқ; ~ **про́тив себя́ окружа́ющих** атрофдагиларнинг ҳаммасини ўзига қарши қилиб қўймоқ; 5 *тех.* уйғотмоқ, қўзғатмоқ, индукцияламоқ.

ВОЗБУДИ́ТЬСЯ, -ужу́сь, -уди́шься *сов. (несов.* **возбужда́ться**) 1 қўзғалмоқ, уйғонмоқ, юзага келмоқ, туғилмоқ; тўлқинланмоқ, жўшмоқ; 2 асабийлашмоқ, ҳаяжонланмоқ, безовта бўлмоқ.

ВОЗБУЖДА́ТЬ *несов. см.* **возбуди́ть.**

ВОЗБУЖДА́ТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **возбуди́ться**; 2 *страд. от* **возбужда́ть.**

ВОЗБУЖДАЮЩИ/Й, -ая, -ее 1 *прич. от* **возбужда́ть**; 2 *в знач. прил.* ҳаяжонга (ҳушга) келтирувчи, тўлқинлантирувчи; баданни уйғотувчи, жонлантирувчи, кишини ҳаракатга солувчи; **~е сре́дства** баданни уйғотувчи дори-дармон.

ВОЗБУЖДЕ́НИЕ *с* 1 *по гл.* **возбужда́ть**; ~ **любопы́тства** қизиқиш туғдириш; ~ **уголо́вного де́ла** жиноий иш қўзғатиш; 2 асабийлашган ҳолат; ҳаяжонланиш, тўлқинланиш; ҳаяжон, изтироб; 3 *физиол.* асабларнинг ташқи таъсирдан қўзғалиши, уйғониши, сесканиши; ~ **и торможе́ние** асабларнинг қўзғалиши ва тормозланиши.

ВОЗБУЖДЕ́ННОСТЬ *ж* асабийлашган ҳолат; ҳаяжон, тўлқинланиш; асабийланиш.

ВОЗБУЖДЕ́НН/ЫЙ, -ая, -ое 1 *прич. от* **возбуди́ть**; 2 *в знач. прил.* асаблари қўзғаган (қўзғалган); ҳаяжонли, ҳаяжонланган, тўлқинланган; асабий; **~ое состоя́ние** асабий ҳолат; ҳаяжонланганлик, тўлқинланганлик.

ВОЗВЕЛИ́ЧИВАТЬ *несов. см.* **возвели́чить.**

ВОЗВЕЛИ́ЧИВАТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **возвели́читься**; 2 *страд. от* **возвели́чивать.**

ВОЗВЕЛИ́ЧИ/ТЬ *сов. (несов.* **возвели́чивать**) *кого-что уст.* и *высок.* улуғламоқ, шуҳратини оширмоқ, кўкларга кўтармоқ шон-шуҳратга буркамоқ; **~ть в пе́снях геро́ев** қўшиқларда қаҳрамонларни улуғламоқ (кўкларга кўтармоқ); **Сове́тский наро́д свои́м ма́ссовым геройзмом в Вели́кой Оте́чественной войне́ ~л на́шу социалисти́ческую отчи́зну** совет халқи Улуғ Ватан урушида кўрсатган оммавий қаҳрамонлиги билан социалистик Ватанимизни шон-шуҳратларга буркади.

ВОЗВЕЛИ́ЧИТЬСЯ *сов. (несов.* **возвели́чиваться**) *уст.* и *высок.* улуғланмоқ, шуҳрати ошмоқ, шон-шуҳратга бурканмоқ.

ВОЗВЕСТИ́, -еду́, -едёшь *сов. (несов.* **возводи́ть**) 1 *кого-что уст.* кўтармоқ, юқорига кўтармоқ, олиб чиқмоқ; **~ очи́ к не́бу** кўзини юқорига қаратмоқ; осмонга қарамоқ; 2 *что* қурмоқ, солмоқ, барпо қилмоқ; ~ **зда́ние** иморат солмоқ; 3 *что во что* кўтармоқ, даражага кўтармоқ; ~ **в квадра́т** *мат.* квадратга (иккинчи даражага) кўтармоқ; ~ **в при́нцип** принцип даражасига кўтармоқ, принципга айлантирмоқ; 4 *кого-что во что уст.* мартабасини оширмоқ; даражага кўтармоқ; ~ **в гра́фское досто́инство** граф даражасига кўтармоқ; 5 *что на кого* қўймоқ, тўнкамоқ, ёпиштирмоқ; ~ **напра́слину** бўлмаган айбни қўймоқ; **6** *что к чему книжн.* олиб бориб тақамоқ; нисбат бермоқ; **~к глубо́кой старине́** қадим замонларга олиб бориб тақамоқ; ✦ ~ **на престо́л** тахтга ўтказмоқ, подшо қилиб кўтармоқ.

ВОЗВЕСТИСЬ, -едётся *сов. (несов.* **возводи́ться**) *уст.* юқорига қарамоқ, кўтарилмоқ (кўз, назар ҳақида).

ВОЗВЕСТИ́ТЬ, -ещу́, -ести́шь *сов. (несов.* **возвеща́ть**) *что высок.* ҳаммага эълон (хабар) қилмоқ, билдирмоқ; ~ **об оконча́нии войны́** уруш тамом бўлганлигини ҳаммага эълон қилмоқ.

ВОЗВЕЩА́ТЬ *несов. см.* **возвести́ть.**

ВОЗВОДИ́ТЬ, -ожу́, -о́дишь *несов. см.* **возвести́.**

ВОЗВОДИ́ТЬСЯ, -о́дится *несов.* 1 *см.* **возвести́сь**; 2 *страд. от* **возводи́ть.**

ВОЗВРА́Т *м по гл.* **возврати́ть** и **возврати́ться**; ~ **моне́т** майда пул қайтариш; **нет ~а к ста́рому** эскиликка қайтиш йўқ; ~ **боле́зни** касалликнинг қайталаши (қайталаниши, қўзғаши).

ВОЗВРАТИ́/ТЬ, -ащу́, -ати́шь *сов. (несов.* **возвраща́ть**) *кого-что* 1 қайтармоқ; қайтариб бермоқ; **~ть долг** қарзни қайтариб бермоқ, қарзни тўламоқ; 2 қайтармоқ; тикламоқ; аслига келтирмоқ; **~ть здоро́вье** соғлиғини тикламоқ; 3 орқага қайтармоқ, қайтишга мажбур қилмоқ; ✦ **~ть к жи́зни** 1) ҳаётга қайтармоқ; ҳаётини (жонини) сақлаб қолмоқ; 2) бардам қилмоқ, жон киритмоқ; **глото́к воды́ ~л его́ к жи́зни** бир қултум сув унга жон киритди.

ВОЗВРАТИ́/ТЬСЯ, -ащу́сь, -ати́шься *сов. (несов.* **возвраща́ться**) 1 орқага қайтмоқ, қайтиб келмоқ; 2 *перен.* қайтмоқ, тикланмоқ, қайтиб келмоқ; **созна́ние ~лось к больно́му** бемор ҳушига (ўзига) келди; 3 *к кому-чему* қайтмоқ; **~ться к пройденному** ўтган гапга (ишга, мавзуга ва ҳ. к.) қайтмоқ.

ВОЗВРА́ТН/ЫЙ, -ая, -ое 1 орқага қайтадиган; қайтиш...; **на ~ом пути́** қайтишда; 2 қайталанувчи, қўзийдиган; **~ый тиф** қайталама терлама; **~ая горя́чка** қўзийдиган жазава; 3 қайтариладиган, қайтиб бериладиган; **~ая ссу́да** қайтиб бериладиган қарз; 4 *грам.* ўзлик; **~ое местоиме́нне** ўзлик олмоши; **~ый глаго́л** ўзлик феъл.

ВОЗВРАЩА́ТЬ *несов. см.* **возврати́ть.**

ВОЗВРАЩА́ТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **возврати́ться**; 2 *страд. от* **возвраща́ть.**

ВОЗВРАЩЕ́НИЕ *с по гл.* **возврати́ть** и **возврати́ться**; ~ **до́лга** қарзни қайтариш; ~ **домо́й** уйга қайтиб келиш.

ВОЗВЫСИ/ТЬ, -ышу, -ысишь *сов. (несов.* **возвыша́ть**) *кого-что* 1 *уст.* баланд қилмоқ, баландлатмоқ, кўтармоқ; 2 эътиборини оширмоқ; обрўйини кўтармоқ; **~ть** *кого-л.* **в чьих-л. глаза́х** кимсанинг кўз олдида эътиборини оширмоқ (обрўйини кўтармоқ); 3 *уст.* баҳосини оширмоқ, нархини кўтармоқ; **Владе́льцы рудniко́в ~ли на него́ [у́голь] це́ну** (В. Одоевский) Кўмир конининг хўжайинлари унинг [кўмирнинг] баҳосини оширдилар; 4 кўтармоқ, баланд қилмоқ (овоз ҳақида); **~ть го́лос** овозини баланд қилмоқ, бақирмоқ.

ВОЗВЫСИ/ТЬСЯ, -ы́шусь, -ы́сишься *сов. (несов.* **возвыша́ться**) 1 *уст.* кўтарилмоқ, баландлашмоқ; **у́ровень воды́ ~лся** сувнинг сатҳи кўтарилди; 2 эътибори ошмоқ, обрўйи кўтарилмоқ; обрў топмоқ; 3 кўтарилмоқ, ошмоқ (нарх-наво ҳақида); 4 кўтарилмоқ, кучаймоқ; **го́лос его́ ~лся до крика** унинг овози қичқириш даражасига етди.

ВОЗВЫША́/ТЬ *несов.* 1 *см.* **возвы́сить**; 2 улуғламоқ, юксакликка кўтармоқ; шон-шараф келтирмоқ; **Ничто́ так**

www.ziyouz.com kutubxonasi

не ~ет челове́ка, как тво́рчество (Гаршин) Ҳеч нарса ижоддек кишига шон-шараф келтирмайди.

ВОЗВЫША́/ТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **возвы́ситься**; 2 баланд кўтарилиб (юксалиб) турмоқ; **~ться над окружа́ющей ме́стностью** атрофидаги ерлардан баланд кўтарилиб турмоқ; **к ю́гу от нас ~лись го́ры** биздан жануб томонда тоғлар юксалиб турарди, бизнинг жануб томонимиздаги тоғ юксалиб турарди; 3 *перен. над кем-чем* баланд (устун) бўлмоқ, ажралиб кўриниб турмоқ; баланд кўтарилмоқ; **~ться над све́рстниками** тенгдошлар орасида ажралиб кўриниб турмоқ, тенгдошларидан баланд (устун) бўлмоқ; 4 *страд. от* **возвыша́ть**.

ВОЗВЫШЕ́НИЕ *с* 1 *по гл.* **возвы́сить** и **возвы́ситься**; 2 тепалик, баландлик, баланд жой, супача.

ВОЗВЫШЕ́ННОСТЬ *ж* 1 тепалик, баландлик, баланд жой; 2 кўтаринкилик, олижаноблик, юксаклик, буюклик; **~ чувств** ҳис-туйғуларнинг юксаклиги.

ВОЗВЫШЕ́ННЫЙ, -ая, -ое 1 *уст. прич. от* **возвы́сить**; 2 *в знач. прил.* баланд, юқори; **~ая ме́стность** баланд жой; 3 *в знач. прил.* кўтаринки, олижаноб, юксак, буюк; **~ые мы́сли** олижаноб фикрлар.

ВОЗГЛАВИ́ТЬ, -влю, -вишь *сов. (несов.* **возглавля́ть**) *кого-что* бош бўлмоқ, бошчилик қилмоқ, етакчилик қилмоқ, бошқармоқ, тепасида турмоқ; **~ учрежде́ние** идорага бош бўлмоқ (бошчилик қилмоқ); идорани бошқармоқ; **~ комиссию** комиссияга бошчилик қилмоқ; **~ движе́ние за мир** тинчлик ҳаракатига бошчилик қилмоқ.

ВОЗГЛАВЛЯ́ТЬ *несов. см.* **возгла́вить**.

ВОЗГЛАС *м* нидо, хитоб, чақириқ, садо, овоз; **разда́лись ~ы удивле́ния** ҳайрат овозлари янгради (эшитилди).

ВОЗГЛАСИ́ТЬ, -ашу́, -аси́шь *сов. (несов.* **возглаша́ть**) *что* и *без доп.* тантанали равишда эълон қилмоқ; баланд овоз билан айтмоқ (демоқ, гапирмоқ).

ВОЗГЛАША́ТЬ *несов. см.* **возгласи́ть**.

ВОЗГОВОРИ́ТЬ *сов. нар.-поэт.* ганирмоқ, гапира бошламоқ.

ВОЗГО́НКА *ж спец.* возгонка, ҳайдаш (қаттиқ жисмни бевосита буғга айлантириш).

ВОЗГО́НЯТЬ *несов. спец. что* возгонка қилмоқ, ҳайдамоқ.

ВОЗГОРАЕМОСТЬ *ж спец.* тез аланга олиш, тез ёниш (алангаланиш).

ВОЗГОРА́ЕМ/ЫЙ, -ая, -ое *спец.* тез аланга (ўт) оладиган, тез ёнадиган, ёнувчан.

ВОЗГОРА́НИЕ *с по гл.* **возгора́ть и возгора́ться**.

ВОЗГОРА́ТЬ *несов. см.* **возгоре́ть**.

ВОЗГОРА́ТЬСЯ *несов. см.* **возгоре́ться**.

ВОЗГОРДИ́ТЬСЯ, -ржу́сь, -рди́шься *сов. чем неодобр.* ғурурлана (гердая) бошламоқ, кеккайиб (димоғи ошиб) кетмоқ, босар-тусарини билмай қолмоқ.

ВОЗГОРЕ́ТЬ *сов. (несов.* **возгора́ть**) *уст. то же, что* **возгоре́ться**.

ВОЗГОРЕ́ТЬСЯ *сов. (несов.* **возгора́ться**) 1 бирдан аланга (ўт) олмоқ, бирдан (лов этиб) ёниб кетмоқ; **Из и́скры возгори́тся пла́мя** (А. Одоевский) Учқундан аланга чиқади; 2 *перен.* пайдо бўлмоқ, бирдан бошланмоқ, қизғин тус олмоқ; **Возгоре́вшийся спор угаса́л** (Шолохов) Қизғин тус олган баҳс сўна бошлади; 3 *перен. чем* кўнглига (юрагига) ўт тушмоқ, ўтида (иштиёқида) ёнмоқ, шавқи ортмоқ, каттиқ ҳавас қилиб (истаб) қолмоқ; **~ жела́нием учи́ться** ўқишни қаттиқ истаб қолмоқ, ўқиш иштиёқига тушмоқ; **~ любо́вью** муҳаббат ўтида ёнмоқ, юрагига муҳаббат ўти тушмоқ.

ВОЗДАВА́ТЬ, -даю́, -даёшь *несов. см.* **возда́ть**.

ВОЗДАВА́ТЬСЯ, -даётся *несов.* 1 *см.* **возда́ться**; 2 *страд. от* **воздава́ть**.

ВОЗДА́ТЬ, -ам, -ашь; -аст, -адим́, -адите́, -аду́т *сов. (несов.* **воздава́ть**) *уст.* и *высок.* 1 *что* бермоқ, билдирмоқ, кўрсатмоқ, бажо келтирмоқ, айламоқ; **~ во́инские по́чести** ҳарбий ҳурмат-эҳтиромни бажо келтирмоқ; **~ до́лжное** тан бермоқ; **~ по заслу́гам** хизматига яраша тақдирламоқ (ёки қилмишига яраша жазо бермоқ); 2 *чем* ҳақини (ажрини) бермоқ, қайтармоқ; **~ добро́м за добро́** яхшиликка яхшилик қилмоқ (қайтармоқ).

ВОЗДАТЬСЯ, -а́стся *сов. (несов.* **воздава́ться**) *уст.* берилмоқ, билдирмоқ, бажо келтирилмоқ.

ВОЗДАЯ́НИЕ *с уст.* ажр, эваз, мукофот, савоб; ўч, қасос, сазо.

ВОЗДВИГАТЬ *несов. (сов.* **воздви́гнуть**) қурмоқ, бино (барпо) қилмоқ, тикламоқ.

ВОЗДВИГА́/ТЬСЯ *несов.* 1 *страд. от* **воздвига́ть**; 2 *уст.* қаторлашмоқ, тиккайиб турмоқ; **Це́лый ряд буты́лок ~лся на столе́** (Гаршин) Столда анча-мунча шиша қаторлашиб турар эди.

ВОЗДВИ́ГНУТЬ, -ну, -нешь; -и́г, -и́гла *сов. см.* **воздвига́ть**.

ВОЗДЕВА́ТЬ *несов. см.* **возде́ть**.

ВОЗДЕ́ЙСТВИЕ *с* таъсир; таъсир этиш (кўрсатиш); **оказа́ть ~** таъсир этмоқ (кўрсатмоқ); **~ Навои́ на совре́менную литерату́ру** Навоийнинг ҳозирги замон адабиётига таъсири.

ВОЗДЕ́ЙСТВОВАТЬ *сов.* и *несов. на кого-что* таъсир этмоқ (қилмоқ, кўрсатмоқ); таъсирини ўтказмоқ; **~ си́лой приме́ра** намуна (ибрат) кучи билан таъсир кўрсатмоқ; **~ убежде́нием** иконтириш (ишонтириш) йўли билан таъсир этмоқ.

ВОЗДЕ́ЛАТЬ *сов. см.* **возде́лывать**.

ВОЗДЕ́ЛЫВАТЬ *несов. (сов.* **возде́лать**) *что* 1 ерни ишламоқ, ҳайдамоқ; ерга ишлов бермоқ; 2 етиштирмоқ, экмоқ.

ВОЗДЕРЖА́ВШИЙСЯ, -аяся, -еяся 1 *прич. от* **воздержа́ться**; 2 *в знач. сущ. ~м* бетараф, холис (овоз беришда).

ВОЗДЕРЖА́НИЕ *с* ўзини (нафсини) тийиш; сақланиш, сабр, қаноат; **~ в пи́ще** овқатдан ўзини тийиш.

ВОЗДЕ́РЖАННОСТЬ *ж* тийилганлик, нафсини тийиш, ўзини тўхтатиш, сабр-қаноат.

ВОЗДЕ́РЖАННЫЙ, -ая, -ое нафси тийиқ, ўзини (нафсини) тийган, сабр-қаноатли.

ВОЗДЕРЖА́ТЬ, -ержу́, -е́ржишь *сов. (несов.* **воздёрживать**) *кого-что уст.* тиймоқ, тийиб қўймоқ, тўхтатиб (сақлаб) қолмоқ.

ВОЗДЕ́РЖАТЬСЯ, -ержу́сь, -е́ржишься *сов. (несов.* **воздёрживаться**) *от чего* 1 ўзини (нафсини) тиймоқ, сақланмоқ, ўзини тутмоқ, сабр-қаноат қилмоқ; **~ от куре́ния** чекишдан ўзини сақламоқ, чекмаслик; 2 бетараф қолмоқ, холис турмоқ (овоз беришда); **~ от голосова́ния** бетараф қолмоқ.

ВОЗДЕ́РЖИВАТЬ *несов. см.* **воздержа́ть**.

ВОЗДЕ́РЖИВАТЬСЯ *несов. см.* **воздержа́ться**.

ВОЗДЕ́РЖНЫЙ, -ая, -ое *уст. то же, что* **воздёржанный**.

ВОЗДЕ/ТЬ, -е́ну, -е́нешь *сов. (несов.* **воздева́ть**); **~ть ру́ки** *книжн. уст.* қўлларини кўтармоқ; **Андерсен ~л ру́ки к не́бу и я́ростно потря́с кулака́ми** (Паустовский) Андерсен қўлларини юқорига кўтариб, ғазаб билан муштларини силкитди.

ВОЗДОХНУ́ТЬ *сов. уст. то же, что* **вздохну́ть**.

ВОЗДУХ *м* 1 ҳаво; **дыша́ть све́жим ~ом** тоза ҳаво олмоқ; **быва́ть на ~е** очиқ ҳавога чиқиб турмоқ; 2 ҳаво, осмон, само; **пти́цы кружа́тся в ~е** осмонда қушлар айланиб учиб юрибди; **госпо́дство в ~е** ҳаводаги устунлик (самолётлар ҳақида); ✦ **взлете́ть на ~** портлаб кетмоқ, осмонга учиб кетмоқ; **поднять на ~** портлатмоқ, осмонга учириб юбормоқ; **~!** осмон! (тревога сигнали); **в ~е но́сится** (или **чу́вствуется**) сезилиб (билиниб) турибди; ҳиди келиб турибди; **дыша́ть ~ом** *чего* бирор нарсанинг таъсирида (таассуроти остида) бўлмоқ; **повя́снуть в ~е** ҳавода осилиб қолмоқ, на у ёқлик, на бу ёқлик бўлмай осилиб ётмоқ.

ВОЗДУХОДУ́ВКА *ж, р. мн.* **-вок** *тех.* домна печига ҳаво (дам) берадиган машина.

ВОЗДУХОДУ́ВН/ЫЙ, -ая, -ое дам берадиган, ҳаво юборадиган; **~ая маши́на** дам берадиган машина.

ВОЗДУХОНАГРЕВА́ТЕЛЬ *м* ҳавони иситадиган (қиздирадиган) аппарат.

ВОЗДУХООБМЕ́Н *м* ҳаво алмашинуви; ҳавони тозалаш, шамоллатиш.

ВОЗДУХООХЛАДИ́ТЕЛЬ *м* ҳавони совитадиган аппарат, ҳаво совитгич.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ВОЗДУХООЧИСТИ́ТЕЛЬ *м* ҳавони тозалайдиган (ёки янгилайдиган) аппарат; ҳавотозалагич.

ВОЗДУХОПЛА́ВАНИЕ *с* 1 ҳавода сузиш (учиш); 2 ҳаводан енгил аппаратларда учиш практикаси ва назарияси.

ВОЗДУХОПЛА́ВАТЕЛЬ *м* ҳаводан енгил аппаратларда учувчи; ҳавода сузиш (учиш) практикаси ва назарияси билан шуғулланадиган мутахассис.

ВОЗДУХОПЛА́ВАТЕЛЬНИЦА *ж см.* **воздухопла́ватель.**

ВОЗДУХОПЛА́ВАТЕЛЬНЫЙ, -ая, -ое ҳавода учишга оид.

ВОЗДУХОПОДОГРЕВА́ТЕЛЬ *м* ҳавони иситадиган аппарат; ҳавоиситгич.

ВОЗДУХОПРОВО́Д *м тех.* воздухопровод (ҳаво ўтказувчи қувурлар ёки каналлар).

ВОЗДУХОПРОНИЦА́ЕМЫЙ, -ая, -ое ҳавони ўтказадиган; ҳаво ўтадиган.

ВОЗДУ́ШНО-ДЕСА́НТНЫЙ, -ая, -ое *воен.* ҳаво десантига оид; ҳаво десанти...; **~е войска́** ҳаво десанти қўшинлари.

ВОЗДУ́ШНОСТЬ *ж* енгиллик, қушдай енгиллик.

ВОЗДУ́ШН/ЫЙ, -ая, -ое; -шен, -шна 1 ҳавога оид; ҳаволи; ҳаво...; **~ая волна́** ҳаво тўлқини; **~ые тече́ния** ҳаво оқимлари; **~ое простра́нство** ҳаво фазоси; 2 очиқ ҳаводаги, ташқаридаги, очиқ; осмондаги, осмондан ўтган; ҳаво...; **~ые ко́рни расте́ний** ўсимликларнинг ташқаридаги (очиқ) илдизлари; **~ая ли́ния свя́зи** ҳавода тортилган алоқа линияси; **~ая желе́зная доро́га** осма темир йўл; **~ые бои́** ҳаво жанглари; 3 ҳаво билан қилинадиган, ҳаракатга келадиган; **~ый то́рмоз** ҳаво тормози (сиқилган ҳаво кучи билан ишлайдиган тормоз); **~ое охлажде́ние** ҳаво билан совитиш; 4 *перен.* енгил, қушдай енгил; нозик, пуф деса осмонга учадиган; **~ое пла́тье** нозик (енгил) кўйлак; **~ая похо́дка** нозик юриш; **~ое пиро́жное** (ҳаводек) енгил пирожное; 5 ҳавода сузиш (учиш) ишига, авиацияга оид; ҳаво...; **~ое сообще́ние** ҳаво йўли; **~ый флот** ҳаво флоти; **~ый деса́нт** ҳаво десанти; ✦ **~ая ва́нна** *мед.* ҳаво ваннаси; **~ые за́мки** хомхаёл; пуч хаёл, кўкнори хаёл; **~ый поцелу́й** ҳавойи ўпиш (узоқдан имо билан ўпиш); **~ая я́ма** ҳаво ўпқони (осмондаги ҳавоси сийрак ёки ҳавосиз жой); **~ая трево́га** ҳаво тревогаси; **~ый шар** 1) ҳаво шари, аэростат; 2) ҳаво шари (пуфланадиган ўйинчоқ шар).

ВОЗДЫМА́ТЬ *несов. уст. то же, что* **вздыма́ть.**

ВОЗДЫМА́ТЬСЯ *несов. уст.* 1 *то же, что* **вздыма́ться**; 2 *страд. от* **воздыма́ть.**

ВОЗДЫХА́НИЕ *с уст.* 1 *по гл.* **воздыха́ть**; 2 оҳ тортиш; нолиш, зорланиш; оҳ-воҳ.

ВОЗДЫХА́ТЬ *несов, уст. то же, что* **вздыха́ть.**

ВОЗЖЕ́ЧЬ, -жгу, -жжёшь; -жёг, -жгла́ *сов.* (*несов.* **возжига́ть**) *что уст.* 1 ёқмоқ, ёндирмоқ; 2 *перен.* қўзғатмоқ, уйғотмоқ, ёқмоқ, тутақтирмоқ; аланга олдирмоқ.

ВОЗЖИГА́ТЬ *несов. см.* **возже́чь.**

ВОЗЗВА́НИЕ *с* мурожаатнома, хитобнома; мурожаат, хитоб, чақириқ; **~ к наро́ду** халққа мурожаат (нома).

ВОЗЗВА́ТЬ, -зову́, -зовёшь *сов. см.* **взыва́ть.**

ВОЗЗРЕ́НИ/Е *с книжн.* назар, нуқтаи назар, қараш, дунёқараш, маслак; **материалисти́ческие ~я** материалистик дунёқараш.

ВОЗЗРЕ́ТЬ, -рю́, -ри́шь *сов. уст.* қарамоқ, боқмоқ, кўз (назар) ташламоқ.

ВОЗЗРИ́ТЬСЯ, -рю́сь, -ри́шься *сов. на кого-что уст.* тикилмоқ, тикилиб қарамоқ, кўз тикмоқ.

ВОЗИ́ТЬ, вожу́, во́зишь *несов. (многокр.* **ва́живать** II) 1 *кого-что* ташиш билан машғул бўлмоқ; ташиб юрмоқ, ташимоқ; **Ма́ленький парохо́д... вози́л люде́й к при́стани** (Каверин) Кичкина пароход пристанга одам ташир эди; **~ кирпи́ч на санях** ғиштни чаналарда ташимоқ; 2 *чем прост.* судрамоқ, судраб юрмоқ; **~ ного́й по́ полу** оёқларни полда судраб юрмоқ; 3 *прост.* оғир нарса билан урмоқ, туширмоқ, солмоқ; ✦ **~ во́ду** *на ком* нуқул оғир ишларга буюрмоқ, оғир ишларини қилдириб ёғиш олмоқ.

ВОЗИ́/ТЬСЯ I, вожу́сь, во́зишься *несов.* 1 гурпайлашмоқ, ўйнашмоқ; типирчиламоқ; **де́ти ~лись на полу́** болалар ерда гурпайлашиб ўйнашарди; 2 *с кем-чем* уриниб ётмоқ; куймаланмоқ, овора бўлмоқ; **~ ться с укла́дкой вещей́** нарсаларни жойлаш билан овора бўлмоқ; **~ться на ку́хне** ошхонада куймаланмоқ (уриниб ётмоқ, ғимирлаб юрмоқ); 3 *разг.* имирсиламоқ, имилламоқ, имиллаб иш қилмоқ.

ВОЗИ́ТЬСЯ II, во́зится *несов. страд. от* **вози́ть** 1.

ВОЗК/А *ж разг.* 1 *по гл.* **вози́ть**; **~а дров** ўтин ташиш; 2 қатнов, қатнаш; **кирпиче́й оста́лось на три ~и** уч (марта) қатнашли ғишт қолди.

ВОЗЛАГА́ТЬ *несов. см* **возложи́ть**; ✦ **~ наде́жды** *на кого-что* умид боғламоқ; умид қилмоқ, кутмоқ; **~ ответственность** *на кого-что* масъулият юкламоқ.

ВО́ЗЛЕ 1 *нареч.* жуда яқин, ёнида, ёнгинасида; **мы стоя́ли ~, на расстоя́нии ша́га от него́** биз жуда яқин, ундан бир қадам нарида турар эдик; 2 *предлог с р.* ёнида, олдида, яқинида, ёнбошида, биқинида; **~ стола́** стол ёнида; **~ го́рода** шаҳар яқинида (биқинида, ёнида); **~ меня́** менинг олдимда (ёнимда); **поста́вить ~ стены́** девор олдига (ёнига) қўймоқ.

ВОЗЛЕЖА́ТЬ *несов. на чём уст.* и *шутл.* ясланмоқ, ёнбошламоқ; ясланиб (ёнбошлаб) ётмоқ.

ВОЗЛЕ́ЧЬ, -ля́гу, -ля́жешь; возлёг, -легла́ *сов. на что уст.* и *шутл.* ясланиб ётиб олмоқ, ёнбошлаб ётиб олмоқ, ётмоқ.

ВОЗЛИКОВА́ТЬ, -ку́ю, -ку́ешь *сов. уст.* ғоят суюнмоқ, жуда (ўзида йўқ) хурсанд бўлмоқ, хурсанд (шод) бўлиб кетмоқ.

ВОЗЛИЯ́НИЕ *с* 1 қадим замонда: худога (худо йўлига) атаб ичкилик ичиш, ичкилик назр қилиш; 2 *шутл.* ичкиликбозлик, кайф-сафо.

ВОЗЛОЖЕ́НИЕ *с по гл.* **возложи́ть**; **~ венко́в** гулдаста (гулчамбар) қўйиш.

ВОЗЛОЖИ́ТЬ, -ожу́, -о́жишь *сов.* (*несов.* **возлага́ть**) *что на кого-что* 1 тантана билан қўймоқ; **~ венки́** гулдаста (гулчамбар) қўймоқ; 2 топширмоқ, юкламоқ; **~** *на кого-л. какую-л.* **зада́чу** кимсага бирор вазифани юкламоқ.

ВОЗЛЮБИ́ТЬ, -люблю́, -лю́бишь *сов. кого-что уст.* яхши кўриб қолмоқ, хуштор (ошиқи беқарор, ошифта) бўлиб қолмоқ.

ВОЗЛЮБЛЕНН/ЫЙ, -ая, -ое 1 *прич. от* **возлюби́ть**; 2 *в знач. прил. высок.* дилдан севилган; юракдан урган; севикли; 3 *в знач. сущ.* **~ый** *м* ошиқ, маъшуқ, маҳбуб, хуштор, ёр; **~ая** *ж* маъшуқа, маҳбуба, ёр, нигор, дилдор, жонона.

ВОЗМЕ́ЗДИЕ *с высок.* қасос, ўч, жазо; **справедли́вое ~** ҳақли қасос (жазо).

ВОЗМЕСТИ́ТЬ, -ещу́, -ести́шь *сов.* (*несов.* **возмеща́ть**) *что чем* тўламоқ, ўрнини тўлдирмоқ; бадалини бермоқ; **~ убы́ток** зарарини тўламоқ, зарарнинг ўрнини тўлдирмоқ.

ВОЗМЕСТИ́ТЬСЯ, -и́тся *сов.* ўрни тўлмоқ.

ВОЗМЕЧТА́ТЬ *сов.* 1 орзу қилмоқ, орзу-хаёлларга ботмоқ (чўммоқ, берилмоқ); **~ о несбы́точном** бўлмайдиган нарсани орзу қилмоқ, хом хаёлларга берилмоқ (ботмоқ); 2 *прост. уст.* ҳаволанмоқ, қуруқланмоқ, ғурурланиб кетмоқ; **~ о себе́** ўзига бино қўймоқ, ўзини жуда катта фаҳмламоқ.

ВОЗМЕЩА́ТЬ *несов. см.* **возмести́ть.**

ВОЗМЕЩЕ́НИЕ *с* 1 *по гл.* **возмести́ть**; **~ убы́тков** зарар ўрнини тўлдириш; **~ капита́ла** капиталнинг ўрнини тўлдириш; 2 товон, бадал; **получи́ть ~ за убы́тки** келтирилган зарар учун товон олмоқ.

ВОЗМО́ЖНО 1 *нареч.* мумкин бўлганча, мумкин қадар, имкон борича; бақадриҳол; **~ скоре́е** мумкин қадар тезроқ; **~ лу́чше** мумкин қадар яхшироқ; **~ лу́чшие усло́вия** имкон борича (мумкин бўлганча) яхши шароитлар; 2 *в знач. сказ.* мумкин, имкони бор; **я сде́лаю всё, что ~** қўлдан келганча (имкони борини) қиламан; **о́чень ~** бўлиши (жуда) мумкин; **э́то вполне́ ~** бу жуда ҳам бўлиши мумкин; 3 *в знач. вводн. сл.* эҳтимол, балки, оббаҳолам; **мне, ~, придётся уе́хать** эҳтимол менинг кетишимга тўғри келар, балки кетишга мажбур бўларман.

ВОЗМО́ЖНОСТ/Ь *ж* 1 имкон, имконият, мумкинлик, илож, йўл; **ве́рить в ~ь** *чего-л.* бирор нарсанинг бўлиши мумкинлигига ишонмоқ; **дать ~ь** имкон бермоқ; йўл қўймоқ; 2 *мн.* **~и** имкониятлар; **вну́тренние ~и** ички имкони-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ятлар; **произво́дственные ~и** ишлаб чиқариш имкониятлари; ✦ **по (ме́ре) ~и** мумкин қадар, имкони (иложи) борича; **при пе́рвой (или ближа́йшей) ~и** иложи бўлиб қолса, имконият туғилиши биланоқ; **нет ~и** иложи (имкони) йўқ.

ВОЗМО́ЖН/ЫЙ, -ая, -ое; -жен, -жна 1 бўлиши (юз бериши) мумкин бўлган, бўлиши (кутилиши, йўл қўйилиши) мумкин; жоиз; **~й исхо́д де́ла** ишнинг кутилиши мумкин бўлган натижаси (оқибати); **~е отклоне́ния от но́рмы** нормадан йўл қўйилиши мумкин бўлган (жоиз) чекинишлар; 2 амалга оширса бўладиган, рўёбга чиқадиган; **сде́лать невозмо́жное ~м** мумкин бўлмаган нарсани рўёбга чиқармоқ.

ВОЗМО́ЧЬ, -огу́, -о́жешь *сов. уст.* қурби келмоқ, кучи етмоқ.

ВОЗМУЖА́ЛОСТЬ *ж* балоғатга (вояга) етганлик, етуклик, етилганлик, болиғлик.

ВОЗМУЖА́ЛЫЙ, -ая, -ое балоғатга (вояга) етган; етилган, етук, болиғ.

ВОЗМУ́ЖАТЬ *сов.* вояга (балоғатга) етмоқ, етилмоқ, улғаймоқ.

ВОЗМУТИ́ТЕЛЬ *м уст.* бузғунчи, бузувчи, фитначи, фитна солувчи, исёнкор; **~ споко́йствия** тинчликни (осойишталикни) бузувчи.

ВОЗМУТИ́ТЕЛЬНО *нареч.* кишининг ғазабини қайнатиб, жуда ёмон, ярамас, хунук, аблаҳона; **вести́ себя́ ~** ўзини жуда ёмон тутмоқ; **э́то ~!** бу аблаҳона ҳаракат!; бу аблаҳлик (ярамаслик)!

ВОЗМУТИ́ТЕЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое; -лен, -льна 1 кишини аччиқлантирадиган, ғазаблантирадиган; ғазабни келтирадиган, ярамас, хунук, аблаҳона; **~ое поведе́ние** ярамас хулқ-атвор; 2 *уст.* фитна солувчи, тинчликни бузувчи, исёнга даъват этувчи.

ВОЗМУТИ́ТЬ, -ущу́, -ути́шь *сов.* (*несов.* **возмуща́ть**) *кого-что* 1 ғазаблантирмоқ, нафратлантирмоқ, жаҳлини чиқармоқ, қаҳрини (ғазабини) келтирмоқ, зардасини қайнатмоқ; 2 *уст.* фитна солмоқ, ғалаён келтирмоқ; 3 *уст.* ҳаракатга келтирмоқ, қўзғатмоқ, тўлқинлатмоқ, чайқатмоқ; **~ во́ду** сувни тўлқинлатмоқ.

ВОЗМУТИ́ТЬСЯ, -ущу́сь, -ути́шься *сов.* (*несов.* **возмуща́ться**) 1 ғазабланмоқ, нафратланмоқ, аччиқланмоқ, қаҳри келмоқ, ғазаби қайнамоқ; 2 *уст.* ғалаён кўтармоқ, исён қилмоқ, бош кўтармоқ.

ВОЗМУЩА́ТЬ *несов. см.* **возмути́ть.**

ВОЗМУЩА́ТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **возмути́ться**; 2 *страд. от* **возмуща́ть.**

ВОЗМУЩЕ́НИ/Е *с* 1 ғазабланиш, нафратланиш; қаҳр, ғазаб, нафрат, норозилик; **прийти́ в ~е** ғазаби қайнамоқ; аччиғи келмоқ; **волна́ ~я** ғазаб тўлқини; 2 *уст.* исён, ғалаён, туғён; 3 *астр.* тойилиш (самовий жисмларнинг бошқа планеталар таъсирида ўз орбитасидан четга чиқиши); ✦ **магни́тное ~е** *то же, что* **магни́тная бу́ря** *см.* **бу́ря.**

ВОЗМУЩЕ́ННО *нареч.* ғазабланиб, нафратланиб, аччиқланиб; жаҳл (ғазаб) билан; **~ говори́ть** ғазаб билан гапирмоқ.

ВОЗМУЩЕ́НН/ЫЙ, -ая, -ое 1 *прич. от* **возмути́ть**; 2 *в знач. прил.* ғазабланган; аччиқланган, нафратланган, жаҳли чиққан; дарғазаб; **~ая толпа́** дарғазаб оломон; **~ый го́лос** ғазабланган овоз (товуш).

ВОЗНАГРАДИ́ТЬ, -ажу́, -ади́шь *сов.* (*несов.* **вознагражда́ть**) *кого-что* тегишлича (яраша) тақдирламоқ, мукофотламоқ, ҳақ тўламоқ; **~ *кого-л.* за труд** меҳнатига яраша тақдирламоқ (ҳақ тўламоқ); **~ по заслу́гам** ишига яраша мукофотламоқ.

ВОЗНАГРАЖДА́ТЬ *несов. см.* **вознагради́ть.**

ВОЗНАГРАЖДЕ́НИЕ *с* 1 *по гл.* **вознагражда́ть**; 2 мукофот, ҳақ; музд; **де́нежное ~** пул билан мукофотлаш; пул мукофоти; **за небольшо́е ~** озгина ҳақ олиб (тўлаб).

ВОЗНАМЕ́РИВАТЬСЯ *несов. см.* **вознаме́риться.**

ВОЗНАМЕ́РИТЬСЯ *сов.* (*несов.* **вознаме́риваться**) ният қилмоқ, қасд (азм) қилмоқ, чоғламоқ; пайига (ниятига) тушмоқ; ният қилиб қўймоқ; **~ уе́хать** йўлга чоғламоқ; кетиш ниятига тушмоқ.

ВОЗНЕГОДОВА́ТЬ, -ду́ю, -ду́ешь *сов. на кого-что книжн.* қаттиқ ғазабланмоқ (аччиқланмоқ), жаҳли чиқмоқ, норози бўлмоқ; **~ на клеветнико́в** туҳматчилардан қаттиқ норози бўлмоқ.

ВОЗНЕНАВИ́ДЕТЬ, -йжу, -ди́шь *сов. кого-что* ёмон кўрмоқ, ёмон кўриб қолмоқ.

ВОЗНЕСЕ́НИЕ *с* 1 *по гл.* **вознести́** и **вознести́сь** 1; 2 *рел.* меърож (Исонинг арш аълога кўтарилиши ва христианларнинг шунга бағишланган байрами).

ВОЗНЕСТИ́, -су́, -сёшь; -ёс, -есла́ *сов.* (*несов.* **возноси́ть**) *кого-что* 1 юқори(га) кўтармоқ, баланд кўтармоқ; 2 *перен.* кўтариб юбормоқ, роса (ортиқ) мақтаб юбормоқ; **~ до небе́с** 1) осмони фалакка кўтармоқ; 2) мақтаб кўкларга кўтармоқ, мақтовини ошириб юбормоқ.

ВОЗНЕСТИ́СЬ *сов.* (*несов.* **возноси́ться**) 1 юқори(га) кўтарилмоқ, баланд кўтарилмоқ; 2 *прост.* кибри-ҳавоси ошиб кетмоқ; ғурурланмоқ, ҳаволанмоқ.

ВОЗНИКА́ТЬ *несов. см.* **возни́кнуть.**

ВОЗНИКНОВЕ́НИЕ *с* пайдо бўлиш, туғилиш, вужудга (юзага) келиш, рўй бериш; **~ жи́зни на Земле́** Ерда ҳаётнинг пайдо бўлиши; **~ чу́вства** ҳис-туйғунинг пайдо бўлиши; **~ пожа́ра** ёнғин чиқиши (бошланиши).

ВОЗНИ́К/НУТЬ *сов.* (*несов.* **возника́ть**) пайдо бўлмоқ, туғилмоқ, вужудга (юзага) келмоқ, рўй бермоқ; **~ вопро́с** масала туғилди; **~ спор** баҳс чиқди (бошланди).

ВОЗНИ́ЦА *м* аравакаш, извошчи, кўчир.

ВОЗНИ́ЧИЙ *м, р.* **-его** *уст. то же, что* **возни́ца.**

ВОЗНОСИ́ТЬ, -ошу́, -о́сишь *несов. см.* **вознести́.**

ВОЗНОСИ́ТЬСЯ, -ошу́сь, -о́сишься *несов.* 1 *см.* **вознести́сь**; 2 *страд. от* **возноси́ть.**

ВОЗН/Я *ж разг.* 1 ғимир-ғимир ҳаракат, гурпайлашиш, тўполон, шовқин-сурон; **подня́ть ~ю** тўполон кўтармоқ, гурпайлашмоқ; **Ти́хо в за́мке. Слышна́ то́лько ~я́ крыс в подпо́лье** (Костылев) Қалъада сукунат. Фақат ертўладаги каламушларнинг ғимир-ғимир ҳаракати эшитилади; 2 *с кем-чем разг.* оворагарчилик, дахмаза, бош оғриғи, ташвиш, югур-югур; **с э́тим мно́го ~й** бунинг дахмазаси кўп; 3 *разг. неодобр.* пинҳоний хатти-ҳаракат, биқтирма иш, шубҳали фаолият, фитна; **подозри́тельная ~я́ идео́логов холо́дной войны́** совуқ уруш идеологларининг шубҳали ҳаракатлари.

ВОЗОБЛАДА́/ТЬ *сов. над кем-чем* баланд келмоқ, устун бўлиб чиқмоқ, енгмоқ; **чу́вство до́лга ~ло над стра́хом** бурч ҳисси қўрқувдан устун келди.

ВОЗОБНОВИ́ТЬ, -влю́, -ви́шь *сов.* (*несов.* **возобновля́ть**) *что* 1 қайтадан (янгидан) бошламоқ; яна давом эттирмоқ, тикламоқ; **~ учёбу** ўқишни янгидан бошламоқ; **~ знако́мство** ошналикни қайтадан бошламоқ; **~ пре́рванный разгово́р** узилган гапни яна давом эттирмоқ; **~ догово́р** шартномани тикламоқ (қайтадан тузмоқ); 2 янгиламоқ, тикламоқ, аслига қайтармоқ.

ВОЗОБНОВИ́/ТЬСЯ, -и́тся *сов.* (*несов.* **возобновля́ться**) қайтадан (янгидан) бошланмоқ, яна давом этмоқ; тикланмоқ; **игра́ ~лась** ўйин янгидан бошланди (яна давом этди).

ВОЗОБНОВЛЕ́НИЕ *с по гл.* **возобновля́ть** и **возобновля́ться**; **~ договора́** шартномани қайтадан тузиш; шартноманинг қайтадан тузилиши.

ВОЗОБНОВЛЯ́ТЬ *несов. см.* **возобнови́ть.**

ВОЗОБНОВЛЯ́ТЬСЯ, -я́ется *несов.* 1 *см.* **возобнови́ться**; 2 *страд. от* **возобновля́ть.**

ВОЗО́К *м, р.* **-зка́** соябонли қадимги чана.

ВОЗОМНИ́ТЬ *сов.* ўзини жуда катта (билимдон, уста ва ҳ. к. деб) фаҳмламоқ, ўзига бино қўймоқ; гердайиб (кеккайиб) кетмоқ; **~ о себе́** ўзини катта олмоқ; **~ себя́ знатоко́м** ўзини жуда билимдон деб фаҳмламоқ (ҳисобламоқ).

ВОЗОПИ́ТЬ, -плю́, -пи́шь *сов. уст.* қаттиқ бақирмоқ, чинқирмоқ, қичқирмоқ, дод-вой солмоқ, фарёд кўтармоқ.

ВОЗРАДОВА́ТЬСЯ *сов. уст.* жуда хурсанд бўлмоқ, суюниб (қувониб, хурсанд бўлиб) кетмоқ, боши кўкка етмоқ.

ВОЗРАЖА́ТЬ *несов. см.* **возрази́ть**; **вы не ~ете?** сиз қарши эмасмисиз?; сизнинг қаршилигингиз йўқми?

ВОЗРАЖЕНИ/Е *с* 1 *по гл.* **возража́ть**; 2 эътироз, қаршилик; **ве́ские ~я** асосли эътирозлар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ВОЗРАЗИ́ТЬ, -ажу́, -рази́шь *сов. (несов.* **возража́ть**) *кому на что* эътироз (қарши фикр) билдирмоқ, қаршилик қилмоқ, қарши чиқмоқ; сўз қайтармоқ; ~ **на замеча́ние** бировнинг мулоҳазасига эътироз билдирмоқ; ~ **оппоне́нту** мухолиф фикрига қарши чиқмоқ.

ВО́ЗРАСТ *м* ёш; **призы́вно́й** ~ ҳарбий хизматга чақирилиш (аскарлик) ёши; **де́ти дошко́льного** ~**а** мактабгача ёшдаги болалар; **в** ~**е двадцати́ лет** йигирма ёшида; **лю́ди одного́** ~**а** бир ёшдаги кишилар, тенгдошлар, тенгқурлар; ~ **Земли́** Ернинг ёши; ✦ **на** ~**е** *разг.* бўйи (бўйига) етган; **де́вушка на** ~**е** бўйи етган қиз; **войти́ в** ~ *см.* **войти́; вы́йти из** ~**а** *см.* **вы́йти.**

ВОЗРАСТА́НИЕ *с по гл.* **возраста́ть;** ~ **производи́тельности труда́** меҳнат унумдорлигининг борган сари ошиши (кўпайиши).

ВОЗРАСТА́ТЬ *несов. см.* **возрасти́.**

ВОЗРАСТИ́, -тёт; -ро́с, -ла́ *сов. (несов.* **возраста́ть**) 1 *уст.* ўсмоқ, улғаймоқ; 2 кўпаймоқ, кучаймоқ, ошмоқ; **тре́бования возросли́** талаблар ошди (кучайиб кетди); **мои́ си́лы возросли́** менинг кучим кўпайди.

ВОЗРАСТИ́ТЬ, -ащу́, -асти́шь *сов. кого-что уст.* кўкартирмоқ, ўстирмоқ, етиштирмоқ.

ВО́ЗРАСТН/ОЙ, -а́я, -о**е** ёшга оид, ёшга боғлиқ бўлган, ёшига қараб белгиланадиган; ёш...; ~**ы́е измене́ния** ёшга қараб юз берадиган (ёшга боғлиқ) ўзгаришлар; ~**ы́е гру́ппы** ёшига қараб группаларга бўлиниш; ~**о́й ценз** ёш цензи (ёшга қараб белгиланадиган ҳуқуқ).

ВОЗРОДИ́ТЬ, -ожу́, -оди́шь *сов. (несов.* **возрожда́ть**) *кого-что* тикламоқ, қайтадан вужудга келтирмоқ, жонлантирмоқ, кучайтирмоқ, тирилтирмоқ; ~ **промы́шленность** саноатни қайта вужудга келтирмоқ, саноатни тикламоқ; ~ **ста́рые тради́ции** эски анъаналарни тикламоқ.

ВОЗРОДИ́/ТЬСЯ, -ожу́сь, -оди́шься *сов. (несов.* **возрожда́ться**) тикланмоқ, қайтадан вужудга келмоқ, жонланмоқ, кучаймоқ, кўтарилмоқ, ҳаётга қайтмоқ, тирилмоқ; ~**ться к жи́зни** жонланмоқ, ҳаётга қайтмоқ, тирилмоқ; ~**вшееся иску́сство** тикланган санъат.

ВОЗРОЖДА́ТЬ *несов. см.* **возроди́ть.**

ВОЗРОЖДА́ТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **возроди́ться;** 2 *страд. от* **возрожда́ть.**

ВОЗРОЖДЕ́НИЕ *с* тиклаш; тикланиш; ~ **наро́дного хозя́йства** халқ хўжалигини тиклаш; халқ хўжалигининг тикланиши; ✦ **эпо́ха Возрожде́ния** Уйғониш даври, ренессанс.

ВОЗРОПТА́ТЬ, -опщу́, -о́пщешь *сов. уст.* нолимоқ, зорланмоқ; оҳ-воҳ қилмоқ; ~ **на судьбу́** тақдирига (тақдирдан) нолимоқ.

ВОЗРЫДА́ТЬ *сов. уст. поэт.* ҳўнграмоқ, ҳўнграб йиғламоқ, фиғон қилмоқ, афғон чекмоқ.

ВОЗЧИК *м* аравакаш, юк ташувчи, киракаш.

ВОЗЫМЕ́ТЬ *сов. что книжн.* 1 *уст.* эга бўлмоқ; касб этмоқ; ~ **власть** ҳукм сура бошламоқ; ҳукмронлик касб этмоқ; 2 сезмоқ, ҳис этмоқ; ~ **жела́ние** хоҳиш сезмоқ; ~ **намере́ние** ният қилмоқ; ✦ ~ **де́йствие** таъсир қилмоқ, таъсир кўрсатмоқ.

ВОИН *м высок.* жангчи, аскар, сипоҳ; **до́блестный** ~ шавкатли жангчи; **оди́н в по́ле не** ~ *посл. (л. м.* майдонда бир жангчи жангчи эмас) ёлғиз йигит алп бўлар, алп бўлса-да, қалб бўлар; ёлғиз отнинг чанги чиқмас, чанги чиқса ҳам донғи чиқмас.

ВОИНСК/ИЙ, -ая, -ое 1 ҳарбий ишга (хизматга) оид; ҳарбий иш (хизмат) билан боғланган, аскарий; ~**ие эшело́ны** ҳарбий эшелонлар; ~**ое зва́ние** ҳарбий унвон; ~**ая часть** ҳарбий қисм; 2 аскарларга, ҳарбийларга хос бўлган; ҳарбий, ҳарбийча; аскарлик...; ~**ий долг** аскарлик бурчи, ҳарбий бурч.

ВОИНСТВЕННЫ/Й, -ая, -ое 1 жанговар, қаҳрамон; ~**е племена́** жанговар (қаҳрамон) қабилалар; ~**й вид** жанговар қиёфа; 2 урушга (уруш оловини ёқишга) қаратилган; ҳарбий; уруш...; ~**е пла́ны** уруш планлари; 3 уришқоқ, жангари.

ВОИНСТВО *с высок.* қўшин, лашкар.

ВОИНСТВУЮЩИЙ, -ая, -ее курашчан, жанговар; ~ **материали́зм** курашчан материализм.

ВОЙСТИНУ *нареч. высок.* ҳақиқатан, чиндан ҳам, чинакам; дарҳақиқат.

ВОЙТЕ́ЛЬ *м* 1 *уст.* жангчи, аскар, сипоҳ; 2 *перен. разг. шутл.* уришқоқ, жангари, жанжалкаш.

ВОЙТЕ́ЛЬНИЦА *ж см.* **войтель.**

ВОЙ *м* 1 улиш, увлаш; ~ **соба́ки** итнинг увлаши; 2 ғувиллаш; гувиллаш; ғув-ғув; ~ **ве́тра** шамолнинг ғувиллаши (ғув-ғуви); 3 *разг.* додлаб (чиңқириб) йиғлаш, додфарёд, йиғи-сиғи, фиғон, афғон; 4 *перен.* акиллаш, вайсаш; **зло́бный** ~ **на́ших не́другов** душманларимизнинг қаҳрли вайсашлари.

ВО́ЙЛОК *м* кигиз, намат.

ВО́ЙЛОЧН/ЫЙ, -ая, -ое кигизга (наматга) оид; кигиздан қилинган; кигиз...; намат...; ~**ая шля́па** намат (кигиз) шляпа; ~**ое произво́дство** намат ишлаб чиқариш.

ВОЙН/А *ж, мн.* **во́йны** 1 уруш, муҳораба, **Вели́кая Оте́чественная** ~**á** Улуғ Ватан уруши; **Втора́я мирова́я** ~**а** Иккинчи жаҳон уруши; **освободи́тельная** ~**á** озодлик уруши; **справедли́вая** ~**á** адолатли уруш; **быть в состоя́нии** ~**ы́** уруш ҳолатида бўлмоқ; 2 *перен.* олишиш; кураш, жанг; **вести́** ~**ý** с **бюрократи́змом** бюрократизмга қарши кураш олиб бормоқ; ✦ **холо́дная** ~**á** совуқ муносабатлар уруши.

ВОЙСК/О *с, мн.* -**á** қўшин, аскар, лашкар; **бронета́нковые** ~**á** бронетанк қўшинлари; **регуля́рные** ~**á** мунтазам қўшинлар; **сухопу́тные** ~**á** қуруқликдаги қўшинлар.

ВОЙСКОВ/О́Й, -а́я, -о́е қўшинга оид; ҳарбий, аскарий; қўшин...; ~**а́я часть** аскарий (ҳарбий) қисм; ~**а́я разве́дка** ҳарбий разведка; қўшин разведкаси; ✦ ~**о́й круг** *ист.* казак қўшинлар йиғини (кенгаши).

ВОЙТ *м* 1 Ўрта асрларда: Польша, Украина, Белоруссия шаҳарларида мансабдор шахс; 2 *уст.* Украина қишлоқларида: оқсоқол, амин; 3 1950 йилгача Польшада: қишлоқ жамоасининг бошлиғи.

ВОЙТИ́, войду́, войдёшь; вошёл, -шла́ *сов. (несов.* **входи́ть**) 1 кирмоқ, ичига (ичкарисига, ичкари) кирмоқ; тушмоқ; ботмоқ; ~**в ко́мнату** уйга (уйнинг ичига) кирмоқ; ~ **в во́ду** сувга тушмоқ; **войди́те!** киринг!; кираверинг!; **теплохо́д вошёл в га́вань** теплоход гаванга кирди; **лопа́та вошла́ в зе́млю** белкурак ерга кирди (ботди); 2 кирмоқ, қўшилмоқ; ~ **в соста́в коми́ссии** комиссияга (комиссия составига) кирмоқ; ~ **в спи́сок** рўйхатга киримоқ; ~ **в арте́ль** артелга кирмоқ (қўшилмоқ, аъзо бўлмоқ); 3 сиғмоқ, жойлашмоқ; **бельё вошло́ в чемода́н** ич кийим чамадонга сиғди; 4 тушуниб етмоқ, англаб (ёки билиб, хабардор бўлиб) олмоқ, ўзлаштирмоқ; ~ **в суть де́ла** ишнинг моҳиятига тушуниб етмоқ; 5 *с чем* мурожаат қилмоқ, қўймоқ; ~ **с докла́дом в колле́гию** коллегияга доклад билан кирмоқ (ўз докладини қўймоқ); ~ **в дире́кцию с предложе́нием** дирекцияга таклиф киргизмоқ (ўз таклифини қўймоқ); 6 бошламоқ; ~ **в употребле́ние** ишлатила бошламоқ; қўлланила бошламоқ; ~ **в перегово́ры** музокаралар бошламоқ; ✦ ~ **в аза́рт** *см.* **аза́рт;** ~ **в лета́** (или **в года́, в во́зраст**) *уст.* вояга етмоқ, улғаймоқ; ~ **в дове́рие** ишончини қозонмоқ, пинжига кириб олмоқ; ~ **в дру́жбу** дўстлашмоқ; ~ **во вкус** *см.* **вкус;** ~ **в быт** расм бўлиб қолмоқ, ҳаётга татбиқ қилинмоқ, рўзғорда қўлланмоқ; ~ **в жизнь** 1) *то же, что* ~ **в быт;** 2) ўрганиб (кўникиб) қолмоқ, ўзлаштириб (ўзиники қилиб) олмоқ; ~ **в привы́чку** одат бўлиб қолмоқ, одат тусига кирмоқ; ~ **в мо́ду** расм (мода) бўлмоқ; ёйилмоқ; ~ **в послови́цу** мақол бўлиб қолмоқ, мақолга айланмоқ; ~ **в исто́рию** тарихга кирмоқ; ~ **в си́лу** кучга (қонун кучига) кирмоқ; ~ **в колею́** (или **в ру́сло**) изга тушмоқ; изига (йўлига) тушиб кетмоқ; ~ **в подро́бности** майда-чуйда тафсилотларини билиб олмоқ; ~ **в положе́ние** *кого* бировнинг аҳволига тушунмоқ (аҳволи билан ҳисоблашмоқ); ~ **в роль** *см.* **роль.**

ВОКАБУЛА *ж уст.* чет сўз; чет сўзлар луғати.

ВОКАЛИЗ *м муз.* овозни вояга етказиш (овозга сайқал бериш) учун машқ.

ВОКАЛИ́ЗМ *м лингв.* вокализм (унлилар системаси).

ВОКАЛИ́СТ *м муз.* вокалист, хонанда.

ВОКА́ЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое ашулага (ашулачиликка) оид; вокал; ~**ая му́зыка** вокал музика; ~**ое иску́сство** ашулачилик (хонандалик) санъати, вокал санъат; ~**ый ансамбль** ашулачилар (хонандалар) ансамбли, вокал ансамбль.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ВОКЗА́Л *м* вокзал; **железнодоро́жный ~** темир йўл вокзали; **речно́й ~** дарё вокзали (порти).

ВОКЗА́ЛЬН/ЫЙ, **-ая**, **-ое** вокзалга оид; вокзал...; **~ая пло́щадь** вокзал майдони.

ВОКРУ́Г 1 *нареч.* атрофга, теварак-атрофга; атрофда; **огляну́ться ~** теварак-атрофга кўз ташламоқ; 2 *предлог с р.* атрофида, теварагида, теграсида; **путеше́ствие ~ све́та** дунё саёҳати, ер юзи бўйлаб (атрофида) саёҳат; **уе́сться ~ стола́** стол атрофида жойлашиб ўтирмоқ; **~ нас** бизнинг атрофимизда, бизнинг ён-веримизда; ✦ **~ да о́коло** *разг.* гапни айлантириб, масалага яқиндан ёндашмай (ён-верида айланиб).

ВОЛ *м, р.* **-а́** ҳўкиз; ✦ **рабо́тать** (или **труди́ться**) **как ~** қаттиқ ишламоқ, молдай ишламоқ.

ВОЛА́Н *м* волан (1 бадминтон коптоги; 2 хотин-қизлар кўйлагининг этагига тутилган қўш этак, тўр).

ВОЛАПЮ́К *м* 1 сунъий (ясама) тил; 2 *перен. разг.* сафсата, телва-тескари (боши-кети йўқ) гап, вати-кути.

ВОЛГЛЫЙ, **-ая**, **-ое** *обл.* намли, нам, зах босган.

ВОЛГНУТЬ *несов. обл.* нам тортмоқ, ҳўл бўлиб қолмоқ, зах тортмоқ.

ВОЛДЫ́РЬ *м, р.* **-ря́** қаварик, қаварчиқ, ғурра, пўрсилдоқ, пайса.

ВОЛЕВО́/Й, **-а́я**, **-о́е** 1 иродага оид; ирода...; **~й и́мпульс** ирода импульси; **~е напряже́ние** иродани ишга солиш; 2 иродали, иродаси кучли; **~й челове́к** иродали одам.

ВОЛЕИЗЪЯВЛЕ́НИЕ *с книжн.* хоҳиш (истак) билдириш; **свобо́дное ~ избира́телей** сайловчиларнинг эркин хоҳиш билдириши, сайловчиларнинг ўз истаги.

ВОЛЕЙБО́Л *м* волейбол.

ВОЛЕЙБОЛИ́СТ *м* волейболчи, волейбол ўйновчи.

ВОЛЕЙБОЛИ́СТКА *ж, р. мн.* **-ток** *см.* **волейболи́ст.**

ВОЛЕЙБО́ЛЬН/ЫЙ, **-ая**, **-ое** волейболга оид; волейбол...; **~ая пло́щадка** волейбол майдончаси; **~ый мяч** волейбол тўпи; **~ая кома́нда** волейбол(чилар) командаси.

ВОЛЕ́Й-НЕВОЛЕ́Й *нареч.* истар-истамас, чор-ночор, ноилож; **я ~ согласи́лся** мен истар-истамас (чор-ночор) рози бўлдим.

ВОЛЕ́НС-НО́ЛЕНС *нареч. книжн. то же, что* **во́лей-нево́лей.**

ВОЛК *м* бўри, қашқир; ✦ **морско́й ~** тажрибали денгизчи, моҳир денгизчи; **смотре́ть ~ом** хўмрайиб қарамоқ, ўқраймоқ, душман кўзи билан боқмоқ; **~ в ове́чьей шку́ре** қўй терисига бурканган бўри; **хоть ~ом вой** куласизми, йиғлайсизми; дод дегинг келади.

ВОЛКОДА́В *м* бўрибосар (катта овчи ит).

ВОЛН/А́ 1 *ж, мн.* **во́лны** 1 тўлқин, пўртана, далға, мавж; **морска́я ~а́** денгиз тўлқини; 2 *перен.* тўлқин; ғалаён; **~а́ рабо́чего движе́ния** ишчилар ҳаракатининг тўлқини; 3 *физ.* тўлқин; **звукова́я ~а́** товуш тўлқини; **взрывна́я ~а́** портлаш тўлқини (портлаш натижасида ҳосил бўлган тўлқин); **электромагни́тная ~а́** электромагнит тўлқини; **коро́ткие ~ы** *радио* қисқа тўлқинлар; **дли́нные ~ы** *радио* узун тўлқинлар.

ВОЛНА́ II *ж обл.* юнг, жун.

ВОЛНЕ́НИ/Е *с* 1 тўлқинланиш, мавж уриш; тўлқин; мавж; 2 *перен.* изтироб, ҳаяжон; ташвиш, бесаранжомлик, безовталик, ғулғула; **прийти́ в ~е** ҳаяжонга келмоқ; изтиробга тушмоқ; 3 *мн.* **~я** *перен.* ғалаён, қўзғолон, туғён, исён, алғов-далғов; **~я наро́дных масс** халқ оммасининг ғалаёни.

ВОЛНИ́СТ/ЫЙ, **-ая**, **-ое** 1 тўлқинсимон, тарам-тарам, жингалак; қат-қат; эгри-бугри; **~ая ли́ния** эгри-бугри чизиқ, тўлқинсимон чизиқ; **~ые во́лосы** жингалак соч; 2 паст-баланд, ўйдим-чуқур; **~ые поля́** паст-баланд ерлар; ✦ **~ое желе́зо** *то же, что* **гофри́рованное желе́зо** *см.* **гофри́рованный.**

ВОЛНИТЕЛЬН/ЫЙ, **-ая**, **-ое**; **-лен**, **-льна** *разг.* ҳаяжонга (изтиробга) солувчи; ташвишли, хавотирли; **~ое сообще́ние** ҳаяжонга солувчи хабар; ташвишли хабар.

ВОЛНОВА́ТЬ, **-ну́ю**, **-ну́ешь** *несов.* 1 (*сов.* **взволнова́ть**) *что* тўлқинлантирмоқ, тўлқинлатмоқ, чайқатмоқ, жимирлатмоқ, мавж урдирмоқ; 2 (*сов.* **взволнова́ть**) *перен. кого-что* ҳаяжонлантирмоқ, тўлқинлантирмоқ, безовта қилмоқ; ҳаяжонга (изтиробга) солмоқ, **хавотирликка (ташвишга) солиб қўймоқ**, тинчсизлантирмоқ; **~ люде́й** одамларни безовта қилмоқ, одамларни ташвишга солмоқ; **~ неприя́тным изве́стием** ёмон хабар билан ҳаяжонлантирмоқ; 3 *перен. кого-что уст.* қўзғатмоқ, ғулғулага солмоқ, ғалаёнга келтирмоқ.

ВОЛНОВА́ТЬСЯ, **-ну́юсь**, **-ну́ешься** *несов.* 1 (*соз.* **взволнова́ться**) тўлқинланмоқ, жимирламоқ, чайқалмоқ; мавж урмоқ; 2 (*сов.* **взволнова́ться**) *перен.* ҳаяжонланмоқ, тўлқинланмоқ, ҳаяжонга келмоқ, изтиробга тушмоқ; безовта (хавотир) бўлмоқ; **~пе́ред экза́меном** имтиҳон олдидан ҳаяжонланмоқ; 3 *перен. уст.* қўзғалмоқ, қўзғолон қилмоқ, ғалаён (туғён) кўтармоқ.

ВОЛНОВО́Д *м радио* тўлқин узаткич (радио тўлқинларини қисқа масофага узатувчи труба).

ВОЛНО́В/ОЙ, **-а́я**, **-о́е** 1 тўлқинга оид; тўлқиний...; тўлқин...; **~а́я тео́рия** тўлқин назарияси; **~о́е движе́ние** тўлқиний ҳаракат; 2 *нар.-поэт.* тўлқинлатадиган, тўлқинли, бўронли.

ВОЛНОЛО́М *м то же, что* **волнорез.**

ВОЛНОМЕ́Р *м радио* волномер, тўлқинўлчагич.

ВОЛНООБРАЗН/ЫЙ, **-ая**, **-ое**; **-зен**, **-зна** 1 тўлқинсимон, тўлқинга ўхшаш (ўхшаган); **~ая пове́рхность** тўлқинсимон сатҳ; 2 паст-баланд.

ВОЛНОПРИБО́ЙНЫ/Й, **-ая**, **-ое** тўлқиннинг қирғоққа урилишига оид; **~е зна́ки** қирғоққа тўлқинлар урилишидан ҳосил бўлган белгилар, қирғоққа урилган тўлқинларнинг изи, асари.

ВОЛНОРЕ́З *м* тўлқинқайтаргич (порт, гавань ва ш. к. ни тўлқиндан сақлаш учун қурилган ғов, тўғон).

ВОЛНУ́ШКА *ж, р. мн.* **-шек** волнушка (қўзиқоринниинг бир хили).

ВОЛНУЮЩ/ИЙ, **-ая**, **-ее** 1 *прич. от* **волнова́ть**; 2 *в знач. прил.* ҳаяжонлантирувчи, ҳаяжонга келтирувчи; тўлқинлантирувчи; ҳаяжонли; **~ее изве́стие** ҳаяжонли хабар; **~ий расска́з** тўлқинлантирувчи (ёки ҳаяжонлантирувчи) ҳикоя, ҳаяжонли ҳикоя.

ВОЛО́В/ИЙ, **-ья**, **-ье** 1 ҳўкизга оид; ҳўкиз...; **~ья шку́ра** ҳўкиз териси; **~ье ста́до** ҳўкиз подаси; 2 *перен.* бақувват, кучли; ✦ **~ьи глаза́** бақрайган кўз; **~ья ше́я** буқа бўйин.

ВОЛО́ВИНА *ж* ҳўкиз териси.

ВОЛО́К *м* 1 икки дарё бир-бирига энг яқин келган жой (қадимда бир дарёдаги кема ва унинг юклари шундай жойда иккинчи дарёга судраб олиб ўтилган); 2 *обл.* ўрмон ичидан ўтган арава йўли.

ВОЛОКИ́ТА I *ж разг.* сансалорлик, ишни ғалга солиш, чўзиш; **бума́жная ~** қоғозбозлик.

ВОЛОКИ́ТА II *м разг. уст.* хотинбоз, шилқим.

ВОЛОКИ́ТН/ЫЙ, **-ая**, **-ое** *разг.* кўп овора (сарсон-саргардон) қиладиган; ишкали (оворагарчилиги) кўп, ишкалли; **~ое де́ло** кўп овора (сарсон-саргардон) қиладиган иш.

ВОЛОКИ́ТСТВО *с разг. уст.* хотинбозлик, шилқимлик.

ВОЛОКИ́ТЧИК *м разг.* сансалор, ишкалчи.

ВОЛОКНИ́СТ/ЫЙ, **-ая**, **-ое** 1 толали, сертола; **~ые вещества́** толали моддалар; **~ые расте́ния** толали ўсимликлар; 2 толалардан (пайлардан) тузилган, тола-тола, ипирипир; **~ая ткань** толали (тола-тола) тўқима.

ВОЛО́КН/О *с, мн.* **воло́кна**, *р. мн.* **-кон** 1 тола; **шёлковое ~о́** ипак тола(си); **иску́сственное ~о́** сунъий тола; **асбе́стовое ~о́** асбест тола(си); **расти́тельные ~а** ўсимликлар толаси; 2 *мн.* **~а** тарамиш, тола, пай; **не́рвные ~а** нерв толалари; **мы́шечные ~а** мускул пайлари; **~а древеси́ны** ёғоч толалари.

ВОЛО́КОМ *нареч.* судраб, сургаб; **тащи́ть ло́дку ~** қайиқни судраб бормоқ (тортмоқ).

ВОЛОКУ́ША *ж* 1 судратма арава (ғўлалардан қоқиштирилган гилдираксиз арава); 2 *с.-х.* хўптир; похол, пичан йиғадиган асбоб; 3 *обл.* балиқ овлайдиган судратма тўр.

ВОЛОНТЁР *м уст.* кўнгилли (ихтиёрий) аскар.

ВОЛОНТЁРСКИЙ, **-ая**, **-ое** кўнгилли аскарларга оид; кўнгилли аскар(лар)...; **~ кóрпус** кўнгилли аскарлар корпуси.

ВОЛООК/ИЙ, **-ая**, **-ое** шаҳлокўз; **~ая краса́вица** шаҳлокўз жонона.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ВОЛОС *м, р. мн.* **воло́с** 1 соч, чоч; **то́нкий ~** ингичка соч; 2 *мн.* **~ы** соч, сочлар (бошдаги); **вы́ющиеся ~ы** жингалак сочлар; **расчёсывать ~ы** сочларини тарамоқ; 3 *собир.* мўй, қил, тук, юнг, жун; **ко́нский ~** от қили; **матра́ц из ~а** жун матрас; ✦ **покрасне́ть до корне́й воло́с** қип-қизариб (лавлаги бўлиб) кетмоқ; қаттиқ уялмоқ; **~ы ста́ли ды́бом** *см.* **ды́бом; рвать на себе́ ~ы** сочларини (битталаб) юлмоқ, аламига чидай олмаслик, қаттиқ пушаймон бўлмоқ; **дожи́ть до седы́х воло́с** сочлари оқаргунча (қаригунча) яшамоқ; қариб-чириб юрмоқ, **ни на ~** қилча ҳам, қитдек (зиғирдек) ҳам, сира, ҳеч, асло.

ВОЛОСА́ТИК *м* 1 *зоол.* қилилон; 2 тола-тола (тузилган) тор хрустали.

ВОЛОСА́ТЫЙ, -ая, -ое сочлари ўсиб кетган; сочлари ҳурпайган; сермўй, сертук, сержун; **~й юне́ц** сочлари ҳурпайган бола; **~е ру́ки** сержун қўллар.

ВОЛОСЁНКИЙ *мн. унич. от* **во́лосы; ре́дкие ~** сийрак сочлар.

ВОЛОСИ́НКА *ж, р. мн.* **-нок** соч толаси; бир дона қил, мўй, тук.

ВОЛОСИ́СТЫЙ, -ая, -ое 1 сертук, серюнг, сержун, юнг (жун) босган; 2 *мин.* тола-тола, ипир-ипир, толали; **~ асбе́ст** тола-тола асбест.

ВОЛОСН/О́Й, -а́я, -о́е жуда ингичка, нозик, қилдек; **~ы́е сосу́ды** *спец.* қилтомирлар, капиллярлар.

ВОЛОСНОСТЬ *ж спец. то же, что* **капилля́рность.**

ВОЛОСОВИ́ДНЫЙ, -ая, -ое; -ден, -дна қилсимон, сочсимон.

ВОЛОС/О́К *м, р.* **-ска́** 1 *уменьш. от* **во́лос** қисқа соч; тукча, қилча; 2 қилча, қил пружина (мас., соат механизмида); 3 *бот.* тукча, тук; **корневы́е ~ки́** илдиз туки (тукчалари); **~ки́ кра́пивы** қичитқи ўт туки (тукчалари); ✦ **на ~о́к** или **на ~ке́** *от чего* қил устида, ёқасида, жуда яқин; **висе́ть (или держа́ться) на ~ке́** зўрға илиниб турмоқ, қил устида (жар ёқасида) турмоқ

ВОЛОСТН/О́Й, -а́я, -о́е волостга оид; волость...; бўлис...; **~о́е правле́ние** волость бошқармаси; **~о́й старши́на** волость оқсоқоли, мингбоши, бўлис.

ВОЛОСТЬ *ж, р. мн.* **-те́й** волость (1 қадимги Русьда: бир маъмур-князь ҳукмида бўлган вилоят; 2 революциядан илгариги Россияда ва 1929—1930 йилларгача СССРда: уезд таркибига кирган бир неча қишлоқдан иборат маъмурий-территориал бўлинма).

ВОЛОСЯНК/А *ж* 1 қилдан тўқилган мато; 2 *прост.* сочидан тортиб урниш; **зада́ть ~у** сочидан тортиб урмоқ.

ВОЛОСЯН/О́Й, -а́я, -о́е 1 қилдан (тукдан) иборат бўлган; **~о́й покро́в** баданни қоплаган тук, юнг; 2 қилдан (жундан) қилинган; қил..., жун..., юнг...; **~о́й матра́ц** жун (юнг) матрас; **~а́я се́тка** қил тўр.

ВОЛОЧЕ́НИЕ *с* 1 *по гл.* **волочи́ть** 1; 2 *тех.* чўзиш, кирялаш (тобора кичраядиган қатор тешиклардан ўтказиб ингичкалаш); **~ про́волоки** симни чўзиш (кирялаш).

ВОЛОЧЁНЫЙ, -ая, -ое чўзилган, кириланган.

ВОЛОЧИ́ЛЬНЫЙ, -ая, -ое *тех.* чўзадиган, кирялайдиган; **~ стан** металл чўзадиган (кирялайдиган) стан, сим қиладиган стан.

ВОЛОЧИ́ЛЬЩИК *м* симкаш (металл чўзадиган, кирялайдиган станокда ишловчи ишчи).

ВОЛОЧИ́ТЬ, -очу́, -о́чишь *несов.* 1 *кого-что* судрамоқ, сургамоқ, судраб бормоқ, тортмоқ; **~ мешо́к по земле́** қопни ерда судраб тортмоқ; 2 *что тех.* чўзмоқ; кириламоқ; **~ про́волоку** симни чўзмоқ; ✦ **е́ле** (или **едва́**) **но́ги ~** 1) оёғини зўрға судраб босмоқ; 2) беҳол бўлмоқ.

ВОЛОЧИ́ТЬСЯ, -очу́сь, -о́чишься *несов.* 1 судралмоқ, судралиб бормоқ; 2 *за кем разг.* кетидан (орқасидан) эргашиб (илиниб) юрмоқ, илакишмоқ.

ВОЛХВ *м, р.* **-а́** сеҳргар, жодугар (қадимги славянларда).

ВОЛХОВА́ТЬ, -хву́ю, -хву́ешь *несов.* сеҳргарлик қилмоқ, фол очмоқ, фолбинлик қилмоқ.

ВОЛЧА́НКА *ж* тери силининг бир тури.

ВОЛЧА́ТНИК *м разг.* бўри овчиси.

ВОЛЧЕ́Ц *м, р.* **-ца́** қушқўнмас (ёввойи ўт).

ВОЛЧ/ИЙ, -ья, -ье 1 бўрига оид; бўри...; **~ий след** бўри изи; **~ья шку́ра** бўри териси; **~ья ста́я** бўри галаси; 2 бўри терисидан қилинган; бўри...; **~ья папа́ха** бўри телпак; 3 *перен.* ёвуз, ваҳшиёна, ваҳший; **~ьи зако́ны** ваҳшиёна қонунлар; ✦ **~ий аппети́т** жуда яхши иштаҳа; иштаҳаси карнай; **~ья я́ма** 1) *воен.* хандақ (душман йўлини тўсиш учун қазилган чуқур); 2) *охот.* пистирма (бўри овлаш учун қазилган, ичига ем солиб қўйиладиган чуқур); **~ий биле́т** (или **па́спорт**) бўрипатта (революциядан илгариги Россияда: шубҳали, ишончсиз деб қаралган кишиларга алоҳида белги қўйиб берилган ҳужжат, паспорт).

ВОЛЧИ́ХА *ж прост. то же, что* **волчи́ца.**

ВОЛЧИ́ЦА *ж* урғочи бўри.

ВОЛЧКОМ *нареч.:* **верте́ться ~** 1) пириллаб (пир-пир, чир-чир) айланмоқ; бизбизакдай айланмоқ; 2) тинмай ишламоқ; сакилламоқ; бўзчининг мокисидек югурмоқ.

ВОЛЧО́К *м, р.* **-чка́** 1 пирилдоқ, пилдироқ, бизбизак, ғирғирак; 2 *физ.* пилдироқ (таянч нуқтаси атрофида ҳар қандай тезлик билан айлана оладиган қаттиқ жисм); 3 *прост. уст.* туйнукча (маҳбусларни кузатиш учун турма эшигига ўрнатилган кўзча); 4 бачки, дарахтнинг бачки новдаси.

ВОЛЧО́НОК *м, р.* **-нка,** *мн.* **-ча́та** бўри боласи.

ВОЛШЕ́БНИК *м* сеҳргар, жодугар, афсунлар; кўзбойлоғич; ✦ **маг и ~** *см.* **маг.**

ВОЛШЕ́БНИЦА *ж см.* **волше́бник.**

ВОЛШЕ́БН/ЫЙ, -ая, -ое 1 сеҳрлайдиган; сеҳрли; **~ая па́лочка** сеҳрли таёқча; 2 афсонавий; **~ое ца́рство** афсонавий подшоҳлик; 3 *перен.* мафтун этадиган; мафтункор, фусункор; жоду; **~ая му́зыка** мафтун қиладиган музика, мафтункор музика; ✦ **~ый фона́рь** *уст. то же, что* **проекцио́нный фона́рь** *см.* **проекцио́нный.**

ВОЛШЕБСТВ/О *с* жодугарлик, сеҳргарлик, авраш; сеҳр, афсун, жоду; **как по ~у́** худди сеҳр қилгандек, сеҳргарлик билан.

ВОЛЫНИТЬ *несов. прост.* сусткашлик қилмоқ, судрамоқ, галга (пайсалга) солмоқ, чўзмоқ

ВОЛЫНК/А *ж, р. мн.* **-нок** 1 волинка (дам билан чалинадиган рус халқ чолғу асбоби); 2 *перен. прост.* сусткашлик, ишни чўзиш, пайсалга солиш, судраш; **тяну́ть ~у** ишни чўзмоқ; 3 *перен. прост.* оворагарчилик.

ВОЛЫНЩИК *м* 1 волинка чалувчи; 2 *перен. прост.* ишни чўзадиган (пайсалга соладиган) одам, сансалор, сусткаш, латтачайнар.

ВОЛЬГОТНО *нареч. разг.* ҳеч нарсага зориқмай, эркин, бемалол, дориламон.

ВОЛЬГОТН/ЫЙ, -ая, -ое *разг.* ҳеч нарсага зориқилмайдиган, эркин, бемалол, дориламон; **~ая жизнь** дориламон ҳаёт.

ВОЛЬЕ́Р *м* и **ВОЛЬЕ́РА** *ж* вольер (ҳайвон ва парранда сақлаш учун атрофи ўралган майдонча).

ВОЛЬЕ́РН/ЫЙ, -ая, -о́е вольерга оид; вольер...; **~ое содержа́ние пу́шных звере́й** мўйнали ҳайвонларни вольерда боқиш (сақлаш).

ВО́ЛЬНАЯ *ж, р.* **-ой** *ист.* озодлик хати (крепостнойларга озод қилинганлик ҳақида берилган ҳужжат).

ВОЛЬНИЦА 1 *ж собир. ист.* ҳур (озод) жамоа (асосан қочқин крепостной деҳқонлардан тузилган жамоа); 2 *м* и *ж разг.* ўжар (қайсар) одам; бебош, ўзбошимча (кўпинча болалар ҳақида).

ВОЛЬНИЧА́ТЬ *несов. разг.* 1 ўзбошимчалик (бебошлик) қилмоқ; 2 бетакаллуф муносабатда бўлмоқ, беадаблик қилмоқ.

ВОЛЬНО I *нареч.* ўз ихтиёри (хоҳиши) билан, кўнглига келганча; эркин, бемалол, тортинмай; 2 *воен.* вольно! (команда); ✦ **~ или невóльно** истаса-истамаса, хоҳласа-хоҳламаса; истар-истамас, ноилож.

ВОЛЬНО II *в знач. сказ. кому с неопр. разг.* ажаб бўпти, айб ўзингда, ўзингга ўзинг қилдинг; нима қилар эдинг, нима кераги бор эди; **~ тебе́ бы́ло стоя́ть на моро́зе** совуқда туришнинг нима кераги бор эди; совуқда туриб нима қилар эдинг.

ВОЛЬНОДУМЕЦ *м, р.* **-мца** *уст.* ҳурфикр (эркин фикр қилувчи) одам, шаккок.

ВОЛЬНОДУМН/ЫЙ, -ая, -ое; -мен, -мна *уст.* эркин фикрли, шаккок; **~е стихи́** эркин фикрли шеърлар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ВОЛЬНОДУМСТВО *с уст.* ҳурфикрлик, эркин фикр қилиш, шаккоклик.

ВОЛЬНОДУМСТВОВАТЬ *несов. уст.* эркин фикр қилмоқ, шаккоклик қилмоқ.

ВОЛЬНОЛЮБИВЫЙ, -ая, -ое озодликни севувчи, эрксевар, ҳурриятпарвар.

ВОЛЬНОМЫСЛИЕ *с книжн. то же, что* **вольнодумство.**

ВОЛЬНОНАЕМНЫЙ, -ая, -ое 1 ёлланган, ёлланма; ~ **рабочий** ёлланган ишчи; ~ **труд** ёлланма меҳнат; 2 *воен.* ёлланма ходим (ҳарбий қисмлардаги ишчи-хизматчилар ҳақида).

ВОЛЬНООПРЕДЕЛЯЮЩИЙСЯ *м, р.* **-егося** ихтиёрий ҳарбий хизматчи (чор армиясида: маълум имтиёзлар билан ҳарбий хизматни адо этувчи ўқимишли киши).

ВОЛЬНООТПУЩЕННИК *м* озод қилинган қул ёки крепостной деҳқон.

ВОЛЬНООТПУЩЕННЫЙ, -ая, -ое озод қилинган (қул ёки крепостной деҳқон ҳақида).

ВОЛЬНОСЛУШАТЕЛЬ *м* эркин тингловчи (олий ўқув юртларида студентлар қатори эркин дарс олувчи киши).

ВОЛЬНОСЛУШАТЕЛЬНИЦА *ж см.* **вольнослушатель.**

ВОЛЬНОСТЬ *ж* 1 *уст.* озодлик, эркинлик, ҳурлик; ҳуррият; бемалоллик; 2 ўзини эркин тутиш, бетакаллуфлик, сарбастлик; ~ **в обращении** муомалада эркинлик, бетакаллуфлик; 3 нормадан оғиш, четга чиқиш, эркинлик; **поэтическая** ~ поэтик эркинлик; поэзия нормаларини бузиш, улардан четга чиқиш; 4 *уст.* имтиёз, енгиллик.

ВОЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое; -лен -льна, -льно 1 ҳур, эркин, мустақил, озод; ~**ый труд** озод меҳнат; ~**ые люди** ҳур кишилар, эркин кишилар; 2 ихтиёрий, эркин, бемалол, ҳеч нарса билан чекланмаган; ~**ая торговля** эркин савдо; ~**ые мысли** эркин фикрлар; 3 эркин, бетакаллуф, сарбаст; ~**ое обращение** эркин (бетакаллуф) муомала; 4 *уст.* озод қилинган, бўшатилган (крепостнойлар, қуллар ҳақида); 5 ихтиёри ўзида бўлган; **вы** ~**ы э́то сде́лать** ихтиёрингиз, ихтиёр сизда, ихтиёр ўзингда: **ты во́лен поступа́ть по-сво́ему** нима қилсанг ихтиёр ўзингда, билганингни қил; 6 *уст.* хусусий, шахсий; ✦ ~**ые упражне́ния** эркин машқлар; ~**ый дух** (пар, жар) печканинг (ёқилғи ёниб бўлгандан кейинги) яллиғи, тафти; ~**ый перево́д** эркин таржима; ~**ый стиль** *спорт.* эркин услуб (сузишда); ~**ая пти́ца** эркин одам, ўзига хон-ўзига бек одам; ~**ый го́род** эркин шаҳар (ўрта асрларда); **на** ~**ом во́здухе** очиқ ҳавода.

ВОЛЬТ I *м* вольт (электр кучланиши ўлчов бирлиги).

ВОЛЬТ II *м спорт.* вольт 1 (отнинг манеж машқида бир айланиб чиқиши; 2 қиличбозликда: рақибнинг ҳужумидан ўзини четга тортиш).

ВОЛЬТА *ж* вольта (майин ип газлама).

ВОЛЬТА́Ж *м уст.* вольтаж (электр тармоғида вольтлар билан ифодаланган кучланиш).

ВОЛЬТА́МЕТР *м* вольтаметр (электр токи кучини унинг ҳимиявий таъсирига қараб ўлчайдиган асбоб).

ВОЛЬТ-АМПЕР *м* вольт-ампер (ўзгарувчан электр токининг қуввати бирлиги).

ВОЛЬТЕ́РОВСК/ИЙ: ~**ое кре́сло** суянчиғи баланд чуқур кресло.

ВОЛЬТЕРЬЯ́НЕЦ *м, р.* **-нца** вольтерчи, Вольтер маслакдоши (18—19-асрларда ҳурфикр одамларга берилган ном).

ВОЛЬТИЖЁР *м* вольтижёр (чопқир отда ўйновчи чавандоз).

ВОЛЬТИЖИРОВАТЬ *несов.* вольтижировка қилмоқ (чопқир отда ўйнамоқ).

ВОЛЬТИЖИРО́ВКА *ж* вольтижировка (чопқир от устида қилинадиган чавандозлик машқлари).

ВОЛЬТМЕ́ТР *м* вольтметр (электр токи кучланишини ўлчайдиган асбоб).

ВО́ЛЬТОВ: ~**а дуга́** *эл.* Вольта ёйи.

ВОЛЬФРАМ *м* вольфрам (химиявий элемент).

ВОЛЬФРА́МОВ/ЫЙ, -ая, -ое вольфрамга оид; вольфрамли; вольфрам...; ~**ые ста́ли** вольфрамли пўлатлар; ~**ая ла́мпочка** вольфрам толали лампочка.

ВОЛЮНТАРИЗМ *м* волюнтаризм (1 *филос.* воқеликнинг негизи ирододадир деб билувчи ва объектив тараққиёт қонунларини рад этувчи идеалистик йўналиш; 2 *психол.* иродани психик ҳаётнинг асосий омили деб қараш; 3 тарихий тараққиётнинг объектив қонунлари билан ҳисоблашмай, ўзбошимчалик билан иш тутиш).

ВОЛЮНТАРИ́СТ *м* волюнтарист, волюнтаризм тарафдори.

ВОЛЮНТАРИСТИ́ЧЕСКИЙ, -ая, -ое волюнтаризмга оид; волюнтаризм руҳидаги, волюнтаристик.

ВОЛЮНТАРИ́СТСКИЙ, -ая, -ое волюнтаристга оид, хос бўлган.

ВОЛЮТА *ж архит.* волюта (колонна, устун ва ш. к. да спираль шаклидаги безак).

ВОЛ/Я *ж* 1 ирода; **си́ла** ~**и** ирода кучи; **си́льная** ~**я** кучли ирода; **несокруши́мая** ~**я** мустаҳкам ирода; букилмас ирода; 2 *к чему* интилиш; ~**я к побе́де** ғалабага интилиш; 3 ирода, истак, хоҳиш, ихтиёр, ният; таъб, раъй; ~**я наро́да** халқ истаги (иродаси), халқнинг хоҳиши; **лю́ди до́брой** ~**и** яхши ниятли кишилар; **по свое́й** ~**е** ўз хоҳиши (ихтиёри) билан; 4 эрк, эркинлик; **вы́рваться на** ~**ю** эркинликка чиқмоқ; **вы́пустить пти́цу на** ~**ю** қушни қўйиб юбормоқ; **дать** ~**ю** *чему-л.* бирор нарсага эрк бермоқ; **дать** ~**ю свои́м чу́вствам** ўз ҳис-туйғуларига эрк бермоқ; 5 изм, амр, ихтиёр; **э́то не в мое́й** ~**е** бу менинг ихтиёримда эмас; 6 *прост. уст.* озодлик (қулликдан, крепостной қарамликдан); 7 *в знач. нареч.* ~**ей,** ~**ею** *прост.* ихтиёрий равишда, ўз ихтиёри билан; ✦ **после́дняя** ~**я** охирги истак; васият; ~**я ва́ша** ихтиёрингиз; ~**ею судьбы́** тақдир тақозоси билан.

ВОМЧА́ТЬ *сов. во что* тез киритмоқ, елдай (ўқдек) учириб киримоқ.

ВОМЧА́ТЬСЯ *сов.* тез кирмоқ, елдай (ўқдек) учиб (кирмоқ), югурганча кириб келмоқ.

ВОН I *нареч. разг.* 1 четга, ташқарига; **вы́йти** ~ ташқарига чиқмоқ; **вы́гнать** ~ ҳайдаб юбормоқ, ҳайдаб чиқармоқ; 2 *в знач. межд.* йўқол, кет, даф бўл; ~ **отсю́да!** йўқол бу ердан!, тур йўқол!; ✦ **лезть** ~ **из ко́жи тиришмоқ,** зўр бериб уринмоқ; жонни жабборга бериб ҳаракат қилмоқ; **из ря́да** ~ **выходя́щий** ҳаддан ташқари ёмон, жуда ёмон.

ВОН II *частица разг.* 1 ана, мана; ~ **он идёт** ана у келяпти; 2 ҳов ана; ~ **там** ана у ерда, ҳов анов ерда (жойда); ~ **туда́** (ҳов) анов ерга (жойга); ~ **тот па́рень** ҳов анави бола; ✦ ~ **(оно́) что!** или ~ **(оно́) как!** шундай денг!; ҳали (гап, иш) шундайми!

ВОНА I *частица* 1 *то же, что* **вон II;** 2 *в знач. межд.* ана холос.

ВОНА II *ж* вона (ҚХДРда: пул бирлиги).

ВОНЗА́ТЬ *несов. см.* **вонзи́ть.**

ВОНЗА́ТЬСЯ, -а́ется *несов.* 1 *см.* **вонзи́ться;** 2 *страд. от* **вонза́ть.**

ВОНЗИ́ТЬ, -нжу́, -нзи́шь *сов. (несов.* **вонза́ть)** *что* санчмоқ, суқмоқ, тиқмоқ, қадамоқ, ботирмоқ; ~ **но́гти** тирноғини (тирноқларини) ботирмоқ; ~ **жа́ло** нишини (найзасини) санчмоқ.

ВОНЗИ/ТЬСЯ, -и́тся *сов. (несов.* **вонза́ться)** санчилмоқ, суқилмоқ, ботмоқ, кирмоқ; **зано́за глубоко́** ~**лась в па́лец** зирапча бармоққа чуқур санчилди (кириб кетибди).

ВОНИ́ЩА *ж прост.* кучли қўланса ҳид; димоғни ёрадиган бадбўй ҳид.

ВОНЬ *ж разг.* сассиқ (бадбўй) ҳид, қўланса ҳид.

ВОНЮЧ/ИЙ, -ая, -ее сассиқ, бадбўй, қўланса.

ВОНЮЧКА *ж, р. мн.* **-чек** 1 *зоол. то же, что* **скунс;** 2 *разг.* сассиқ алаф, сассиқ ўт.

ВОНЯ́ТЬ *несов. разг.* сасимоқ, сассиқ ҳид чиқармоқ; саситмоқ.

ВООБРАЖА́ЕМ/ЫЙ, -ая, -ое 1 *прич. от* **вообража́ть;** 2 *в знач. прил.* тасаввурдаги, фараз қилинган, тасаввур қилинадиган; фаразий; ~**ая ли́ния** фараз қилинган чизиқ; фаразий чизиқ.

ВООБРАЖА́ЛА *м* и *ж прост.* мақтанчоқ, ўзини катта фаҳмлайдиган (тутадиган) одам.

ВООБРАЖА́ТЬ *несов.* 1 *см.* **вообрази́ть;** 2 *прост.* ўзини катта фаҳмламоқ (тутмоқ); кеккаймоқ; ғўдаймоқ; ~**ть о себе́** ўзини катта фаҳмламоқ; ўзига бино қўймоқ.

ВООБРАЖА́ТЬСЯ, -а́ется *несов. см.* **вообрази́ться.**

ВООБРАЖЕ́НИ/Е *с* 1 ўйлаш, хаёл қилиш, тасаввур этиш; **живо́е** ~**е** жонли тасаввур қилиш; **предста́вить в**

www.ziyouz.com kutubxonasi

~и тасаввур қилмоқ, кўз олдига (хаёлга) келтирмоқ; 2 хаёл, ўй, фараз, тасаввур, фантазия; 3 *прост.* қуруқ хаёл, йўқ нарса.

ВООБРАЗИ́ТЬ, -ажу́, -рази́шь *сов. (несов.* **вообража́ть)** *кого что* 1 тасаввур қилмоқ, кўз олдига (хаёлга) келтирмоқ; 2 фараз қилмоқ; **~ть себя́** *на чьём-л. ме́сте* ўзини бировнинг ўрнида фараз қилмоқ (ўрнига қўйиб кўрмоқ); ўзини бировнинг аҳволида тасаввур этмоқ; 3 *пов.* **~ (те)** тасаввур этинг, фараз қилинг, деб ўйлаб кўринг.

ВООБРАЗИ́ТЬСЯ, -и́тся *сов. (несов.* **вообража́ться)** тасаввур қилинмоқ; кўз олдига (хаёлга) келмоқ, ...дек кўринмоқ (туюлмоқ); ...деб ўйланмоқ; **ему́ ~лось** хаёлига келди, унга ... дек кўринди (туюлди), ...деб ўйлади.

ВООБЩЕ́ *нареч.* 1 умуман; **~ вы пра́вы** умуман сиз ҳақлисиз; 2 *разг.* доим, ҳар доим; умуман, умуман олганда; **он ~ тако́й** у ҳар доим шундай, у умуман шунақа; ✦ **~ говоря́** *в знач. вводн. сл.* умуман айтганда (олганда).

ВООДУШЕВИ́ТЬ, -влю́, -ви́шь *сов. (несов.* **воодушевля́ть)** *кого* руҳлантирмоқ, илҳомлантирмоқ, руҳини кўтармоқ, ғайратини оширмоқ; **~ войска́** қўшинларни руҳлантирмоқ.

ВООДУШЕВИ́ТЬСЯ, -влю́сь, -ви́шься *сов. (несов.* **воодушевля́ться**) руҳланмоқ, илҳомланмоқ, ғайратланмоқ, руҳи кўтарилмоқ, ғайрати ошмоқ, ғайратга минмоқ.

ВООДУШЕВЛЕ́НИЕ *с* 1 *по гл.* **воодушевля́ть** и **воодушевля́ться;** 2 кўтаринки (баланд) руҳ, илҳом, завқ-шавқ; **говори́ть с ~м** *о чём-л.* завқ-шавқ билан гапирмоқ, руҳланиб (кўтаринки руҳ билан) гапирмоқ.

ВООДУШЕВЛЁНН/ЫЙ, -ая, -ое 1 *прич. от* **воодушеви́ть;** 2 *в знач. прил.* руҳланган, руҳи кўтарилган, завқ-шавқи ошган, кўтаринки (баланд) руҳдаги, завқ-шавқли; **~ая речь** завқли нутқ.

ВООДУШЕВЛЯ́ТЬ *несов. см.* **воодушеви́ть.**

ВООДУШЕВЛЯ́ТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **воодушеви́ться;** 2 *страд. от* **воодушевля́ть.**

ВООРУЖА́ТЬ *несов. см.* **вооружи́ть.**

ВООРУЖА́ТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **вооружи́ться;** 2 *страд. от* **вооружа́ть.**

ВООРУЖЕ́НИ/Е *с* 1 *по гл.* **вооружа́ть** и **вооружа́ться;** **~е а́рмии** армияни қуроллантириш; армиянинг қуролланиши; **техни́ческое ~е предприя́тия** корхонани техника жиҳатдан (техника билан) жиҳозлаш; корхонанинг техника билан қуролланганлиги; **го́нка ~й** зўр бериб қуролланиш; 2 қурол-яроғ, яроғ-аслаҳа; **сокраще́ние ~й** қуролларни камайтириш; **быть** (или **состоя́ть**) **на ~и** истеъмолда бўлмоқ (қурол-яроғ ҳақида); 3 керак-яроғ, жиҳоз, ускуна; **па́русное ~е корабля́** кеманинг елканлари ва унга оид жиҳозлари.

ВООРУЖЁННОСТЬ *ж* 1 қуролланганлик, қурол-аслаҳа билан таъминланганлик; 2 қуролланганлик, асбоб-ускуна билан таъмин этилганлик; **техни́ческая ~ промы́шленности** саноатнинг техника жиҳатдан қуролланганлиги.

ВООРУЖЁНН/ЫЙ, -ая, -ое 1 *прич. от* **вооружи́ть;** **~ым зна́ниями** билимлар билан қуролланган, билимли, билимдон; 2 *в знач. прил.* қуролли, қуролланган; **~ые си́лы** қуролли кучлар; **~ый отря́д** қуролланган отряд; 3 *в знач. прил.* қуролли, қурол (қуролли куч) ишлатилган; **~ая борьба́** қуролли кураш; **~ое восста́ние** қуролли қўзғолон; ✦ **~ым гла́зом** оптик асбоб орқали (билан, ёрдамида).

ВООРУЖИ́ТЬ *сов. (несов.* **вооружа́ть)** *кого-что* 1 қуроллантирмоқ, қурол-аслаҳа билан таъминламоқ; **~ а́рмию** армияни қуроллантирмоқ; 2 *чем* қуроллантирмоқ, жиҳозламоқ, керак-яроғ (асбоб-ускуна) билан таъминламоқ; **~ предприя́тие нове́йшей те́хникой** корхоналарни энг янги техника билан таъминламоқ; 3 *перен. чем* қуроллантирмоқ, эга қилмоқ; **~ молодёжь передовы́ми иде́ями** ёшларни илғор ғоялар билан қуроллантирмоқ; 4 *перен. против кого-чего* оёқлантирмоқ, қарши қилиб қўймоқ; **~ про́тив себя́ друзе́й** дўстларини ўзига қарши қилиб қўймоқ.

ВООРУЖИ́ТЬСЯ *сов. (несов.* **вооружа́ться)** 1 қуролланмоқ, қурол-аслаҳа билан таъминламоқ; **~ до зубо́в** тиштирноғигача қуролланмоқ; 2 *чем* қуролланмоқ, жиҳозланмоқ; **~ но́вой те́хникой** янги техника билан қуролланмоқ; 3 *перен. чем* қуролланмоқ, эгалламоқ; **~ про́чными зна́ниями** пухта билимлар билан қуролланмоқ; 4 *перен. против кого-чего* оёқланмоқ, оёққа турмоқ, қарши бўлиб қолмоқ; **~ про́тив угнета́телей** золимларга қарши оёққа турмоқ; **~про́тив разгильдя́йства** тартибсизликка қарши оёққа турмоқ; ✦ **~ терпе́нием** (или **твёрдостью**) чидамоқ, сабр қилмоқ, сабр билан кутмоқ, тоқат қилмоқ, арқонни узун ташламоқ.

ВООЧИЮ *нареч. книжн.* 1 ўз кўзи билан кўриб, ўз тажрибасидан ўтказиб; **~ убеди́ться** *в чём-л.* ўз кўзи билан кўриб ишонмоқ; 2 яққол.

ВО-ПЕ́РВЫХ *вводн. сл.* биринчидан, аввало.

ВОПИ́ТЬ, -плю́, -пи́шь *несов.* 1 *разг.* бақирмоқ, қичқирмоқ, додламоқ; дод-вой қилмоқ, айюҳаннос солмоқ; 2 *обл.* ўкириб, айтиб йиғламоқ, фиғон қилмоқ, фарёд қилмоқ.

ВОПИЮЩ/ИЙ, -ая, -ее кишини ғазаблантирадиган, чидаб (йўл қўйиб) бўлмайдиган; ўтакетган, бориб турган; қўпол; **~ее противоре́чие** бориб турган қарама-қаршилик; **~ая оши́бка** йўл қўйиб бўлмайдиган хато; қўпол хато; **~ая несправедли́вость** чидаб бўлмайдиган ноҳақлик; ✦ **глас ~его в пусты́не** *см.* **глас.**

ВОПИЯ́ТЬ, -ию́, -ие́шь *несов. высок.* бақирмоқ, қичқирмоқ, додламоқ; айюҳаннос солмоқ.

ВОПЛЕНИ́ЦА *ж обл.* йиғичи, айтиб йиғловчи (аза ва бошқа маросимларда).

ВОПЛОТИ́ТЬ, -ощу́, -оти́шь *сов. (несов.* **воплоща́ть)** *что* гавдалантирмоқ, мужассамлантирмоқ; гавдалантириб кўрсатмоқ; **~ в тво́рчестве переды́е иде́и** ижодда илғор ғояларни гавдалантириб кўрсатмоқ; ✦ **~ в жизнь** амалга оширмоқ, ҳаётга татбиқ қилмоқ, рўёбга (юзага) чиқармоқ; **~ в себе́** ўзида мужассамлантирмоқ.

ВОПЛОТИ́ТЬСЯ, -и́тся *сов. (несов.* **воплоща́ться)** гавдаланмоқ, мужассамланмоқ, мужассам бўлмоқ; амалга ошмоқ, юзага чиқмоқ.

ВОПЛОЩА́ТЬ *несов. см.* **воплоти́ть.**

ВОПЛОЩА́ТЬСЯ, -а́ется *несов.* 1 *см.* **воплоти́ться;** 2 *страд. от* **воплоща́ть.**

ВОПЛОЩЕ́НИЕ *с* 1 *по гл.* **воплоща́ть** и **воплоща́ться;** 2 *чего* тимсол, мужассам; **она́ — ~ скро́мности** у (аёл) — камтарлик тимсоли.

ВОПЛОЩЁНН/ЫЙ, -ая, -ое 1 *прич. от* **воплоти́ть; иде́и, ~ые в жизнь** амалга ошган (оширилган) ғоялар; 2 *в знач. прил.* ўзида мужассамлантирган, тимсол бўла оладиган; **он — ~ое му́жество** у — мардлик тимсоли (мардликнинг мужассами).

ВОПЛЬ *м* 1 бақириқ, қичқириқ, чинқириқ, айюҳаннос; 2 дод, дод-вой, нола, фарёд, фиғон, афғон; ўкириб йиғлаш.

ВОПРЕКИ *предлог с дат.* қарамай, қарамасдан, қарши, хилоф равишда, аксига; **~ прика́зу** буйруққа қарамасдан; **~ его́ жела́нию** унинг истагига қарши, унинг хоҳишига қарамай; **~ здра́вому смы́слу** мантиққа қарамасдан, ақлга (мантиққа) хилоф равишда.

ВОПРО́С *м* 1 савол, сўроқ; **зада́ть ~** савол бермоқ; **осажда́ть ~ами** саволларга кўммоқ, савол ёғдириб ташламоқ; 2 масала; **национа́льный ~** миллий масала; **аграрный ~** ер-сув масаласи; **жили́щный ~** уй-жой масаласи; **поста́вить ~ на обсужде́ние** масалани муҳокамага қўймоқ; 3 иш, гап, масала; **обрати́ться** *к кому-л.* **по ли́чному ~у** бирор кишига шахсий (хусусий) иш билан мурожаат қилмоқ; **~ в том, что...** масала (иш, гап) шундаки; 4 *чего* иш, гап, масала, ҳол; **э́то ~ вре́мени** бу иш шароитга (вақтга) боғлиқ, бу вақт билан боғлиқ масала; **~ че́сти** обрў масаласи; 5 *мн.* **~ы** баъзи илмий журналларнинг номи; **~ы филосо́фии** философия масалалари; **~ы языкозна́ния** тилшунослик масалалари; ✦ **~ жи́зни или сме́рти** ҳаёт-мамот масаласи; **что за ~?** албатта; бўлмасачи; саволга ўрин йўқ; **под (большим) ~ом** (быть, остава́ться, находи́ться) шубҳа остида қолмоқ; ноаниқ бўлмоқ, ҳал қилинмасдан қолмоқ; **ста́вить под ~** *что* шубҳа қилмоқ, шубҳа остига олмоқ; **больно́й ~** *см.* **больно́й; жгу́чий ~** *см.* **жгу́чий.**

ВОПРОСИ́ТЕЛЬНО *нареч.* сўроқ (савол) назари билан, сўраган қуйи, сўрагандай.

ВОПРОСИ́ТЕЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое 1 сўроқ билдирувчи, савол ифодаловчи; саволли; савол тарзидаги; савол...; **~ый взгляд** савол назари, савол назари билан қараш, жавоб кутгандай бўлиб қараш; **~ая интона́ция** сўроқ интонацияси; 2 *грам.* савол билдирувчи, сўроқ...; **~ый знак** сўроқ

www.ziyouz.com kutubxonasi

белгиси; ~**ое предложе́ние** сўроқ гап; ~**ое местоиме́ние** сўроқ олмоши.

ВОПРОСИ́ТЬ, -ошу́, -оси́шь *сов.* (*несов.* **вопроша́ть**) *кого-что уст.* сўрамоқ, сўроқламоқ, савол бермоқ.

ВОПРО́СНИК *м* саволнома, савол варақаси.

ВОПРО́СНЫЙ, -ая, -ое савол-жавобга оид; савол-жавоб тарзидаги (шаклидаги); савол-жавоб...; ~ **лист** савол-жавоб варақаси; анкета.

ВОПРОША́ТЬ *несов. см.* **вопроси́ть.**

ВОПРОША́ЮЩИЙ, ая, -ее 1 *прич. от* **вопроша́ть**; 2 *в знач. прил.* савол берувчи, жавоб кутувчи, илтижоли; мўлтираган, термилган; ~ **взгляд** термилиб қараш, жавоб кутгандай қараш.

ВОР *м, р. мн.* **-о́в** 1 ўғри, дузд; **на ~е ша́пка гори́т** *погов.* ўғри кети қувиш; 2 *уст.* хоин, сотқин, нобакор.

ВО́РВАНЬ *ж уст.* ворвань (денгиз ҳайвонларининг эритилган мойи).

ВОРВА́/ТЬСЯ, -ву́сь, -вёшься *сов.* (*несов.* **врыва́ться**) 1 бостириб кирмоқ, бузиб кирмоқ, ёпирилмоқ; ~**ться в око́пы проти́вника** душман окопларига бостириб кирмоқ; 2 *перен.* лоп этиб кирмоқ; гуп этиб урмоқ; **ве́тер ~лся в окно́** деразадан лоп этиб шамол кирди (гуп этиб шамол урди); **в ко́мнату ~лся шум с у́лицы** кўчадан хонага шовқин овозлари эшитилди.

ВОРИ́ШКА *м, р. мн.* **-шек** *уменьш.-унич. от* **вор** ўғри; майда ўғри.

ВОРКОВА́НЬЕ *с по гл.* **воркова́ть.**

ВОРКОВА́ТЬ, -ку́ю, -ку́ешь *несов.* 1 ғув-ғувламоқ, ғурилламоқ (каптарлар ҳақида); 2 *перен.* гурунглашмоқ, отамлашмоқ, дилкашлик қилмоқ, гангир-гунгур гаплашмоқ.

ВОРКО́ТНЯ *ж разг.* жавраш, вайсаш.

ВОРОБЕ́Й *м, р.* **-бья́** чумчуқ; ✧ **стре́ляный (или ста́рый)** ~ пихи қайрилган (пичини ёрган) одам; кўпни кўрган одам, туллак.

ВОРОБУ́ШЕК и **ВОРОБЫ́ШЕК** *м, р.* **-шка** *уменьш.-ласк. от* **воробе́й.**

ВОРОБЬЁНОК *м, р.* **-нка**, *мн.* **-бья́та** *разг.* чумчуқ боласи.

ВОРОБЬИ́Н/ЫЙ, -ая, -ое 1 чумчуққа оид; чумчуқ...; ~**ое гнездо́** чумчуқ уяси; 2 *в знач. сущ.* ~**ые** *мн. зоол.* чумчуқсимонлар, чумчуқсимон қушлар оиласи; ✧ ~**ая ночь** 1) тўхтовсиз чақмоқ чақиб, жала ёғиб чиққан кеча; 2) ёзги қисқа тун; **коро́че ~ого но́са** жуда қисқа; сичқоннинг думидай.

ВОРОБЬИ́ХА *ж разг.* мода чумчуқ.

ВОРОВА́ННЫ/Й, -ая, -ое *разг.* ўғирланган, ўғирлаб олинган, ўғирлик; ~**е ве́щи** ўғирланган моллар, ўғирлик моллар.

ВОРОВА́ТО *нареч.* ўғриларга ўхшаб, ўғрилардай, ўғриларча; писиб; ~ **озира́ться** ўғриларча аланглаб қарамоқ.

ВОРОВА́Т/ЫЙ, -ая, -ое 1 ўғринамо, эгри, нопок; 2 ўғриларча эҳтиёткор, оҳиста, биқтирма; ~**ая похо́дка** ўғриларча оҳиста юриш.

ВОРОВА́ТЬ, -ру́ю, -ру́ешь *несов.* 1 *что* ўғирламоқ; 2 ўғрилик қилмоқ, ўғрилик билан кун кечирмоқ.

ВОРО́ВКА *ж, р. мн.* **-вок** ўғри хотин.

ВОРОВСКИ́ *нареч. разг.* ўғриларча, ўғрилардек, писиб, биқиниб.

ВОРОВСК/О́Й, -а́я, -о́е ўғриларга оид; ўғрилар...; ~**а́я ша́йка** ўғрилар шайкаси; ~**о́й язы́к** (или **жарго́н**) ўғрилар жаргони, ўғрилар тили.

ВОРОВСТВО́ *с* ўғрилик; ✧ **литерату́рное** ~ адабий ўғрилик.

ВОРОГ *м нар.-поэт. то же, что* **враг** 1.

ВОРОЖБА́ *ж* авраш, дам солиш, фол очиш; фолбинлик.

ВОРОЖЕ́Я *ж* авроқчи хотин, фолбин, ромчи; кинначи.

ВОРОЖИ́/ТЬ *несов.* аврамоқ, дам солмоқ; фол очмоқ; фолбинлик қилмоқ; ✧ **ба́бушка ~т** *кому* 1) толеи баланд, омади (иши) юришган; 2) бировнинг паноҳида (давлатининг кўланкасида).

ВОРО́Н *м* қузғун; ~ ~**у глаз не вы́клюет** *посл.* қарға қарғанинг кўзини чўқимайди; ✧ **куда́ ~ косте́й не заноси́л** тупканинг тагида, дунёнинг нариги бурчида, жуда узоқда, овлоқда.

ВОРО́НА *ж* 1 қарға, зоғ; 2 *перен. разг.* ношуд одам, анқов, лаванд; ✧ **бе́лая ~** *см.* **бе́лый; ~ в павли́ньих пе́рьях** товус патига кирган қарға (ўзини катта қилиб кўрсатишга уринувчи одам ҳақида); **ни па́ва ни ~** на товус эмас, на қарға; на у ёқлик эмас, на бу ёқлик, аросатда қолган; **воро́н счита́ть** юлдуз санамоқ; анқаймоқ, анграймоқ, оғзини очиб анқовсираб) юрмоқ (ўтирмоқ).

ВОРОНЕ́НИЕ *с по гл.* **ворони́ть; ~ ста́ли** пўлатни қорайтириш (зоклаш).

ВОРОНЁНОК *м, р.* **-нка**, *мн.* **-ня́та** қузғун (ёки қарға) боласи.

ВОРОНЁН/ЫЙ, -ая, -ое қорайтирилган, зокланган; ~**ая сталь** қорайтирилган (зокланган) пўлат.

ВОРО́Н/ИЙ, -ья, -ье қарғага оид; қарға..., зоғ...; ~**ье гнездо́** қарға уяси, ✧ ~**ий глаз** *бот.* қарғакўз (заҳарли ўсимлик).

ВОРО́НИТЬ *несов.* (*сов.* **проворо́нить**) *прост.* оғзини очиб қолмоқ, қўлдан бермоқ (чиқармоқ), бой бериб қўймоқ.

ВОРОНИ́ТЬ *несов. что* қорайтирмоқ, зокламоқ (пўлат сиртини оксидламоқ).

ВОРО́НКА *ж, р. мн.* **-нок** 1 воронка (асбоб); 2 воронка (бомба ёки замбарак портлаган жойда ҳосил бўлган чуқур).

ВОРОНКООБРА́ЗНЫЙ, -ая, -ое; -зен, -зна воронкасимон, воронкага ўхшаган.

ВОРО́НОВ, -а, -о қарғага оид; қарға...; ✧ **цве́та ~а крыла́** или **как ~о кры́ло** қоп-қора, тимқора (соч ҳақида).

ВОРОНОВЫЕ *мн., р.* **-ых** *зоол.* қарғасимонлар (қарғалар оиласига мансуб қушлар).

ВОРО́Н/ОЙ, -а́я, -о́е қора (от туси); ~**а́я ло́шадь** қора от; 2 *в знач. сущ.* ~**о́й** *м* қора от; ✧ **прокати́ть на ~ы́х** *уст. шутл.* қора шар ташламоқ (сайловда қарши овоз бериб йиқитмоқ).

ВОРОНЬЁ *с собир.* 1 қузғунлар галаси; 2 *перен. разг.* қузғунлар, талончилар.

ВОРОТ I *м* ёқа (кийим ёқаси); ✧ **схвати́ть (или держа́ть)** за ~ *кого* ёқасидан тутмоқ, гирибонидан ушламоқ, хиппа бўғмоқ, мажбур қилмоқ.

ВОРОТ II *м тех.* ворот, чиғир (юқорига юк кўтарадиган энг оддий машина); **коло́дезный** ~ қудуқ чиғири.

ВОРО́ТА *мн.* 1 дарвоза, қопқа; 2 *спорт.* дарвоза; **хокке́йные** ~ хоккей дарвозаси; 3 *мед.* тугун; ✧ **триумфа́льные** ~ *см.* **триумфа́льный; у воро́т го́рода** шаҳар остонасида (бўсағасида).

ВОРОТИЛ/А *м разг.* корчалон, ишбоши; ~**ы чёрного ры́нка** чайқов бозор корчалонлари.

ВОРОТИ́ТЬ I, -очу́, -оти́шь *сов. кого-что* 1 *разг.* қайтармоқ, йўлдан қайтармоқ; 2 *прост.* қайтиб бермоқ; 3 *прост.* қайтиб олмоқ; **про́шлого не** ~ ўтганни қайтара олмайсан (қайтариб бўлмайди, қайтиб келмайди).

ВОРОТИ́ТЬ II, -очу́, -оти́шь *сов. прост.* 1 *что* бурмоқ, ўгирмоқ, қайирмоқ; 2 бошқармоқ, юритмоқ, идора қилмоқ; 3 *что* ағдармоқ, ўрнидан қўзғатмоқ; ✧ ~ **нос** (или **ры́ло, мо́рду**) *от кого-чего прост.* юз ўгирмоқ, безмоқ, тескари қарамоқ.

ВОРОТИ́ТЬСЯ, -очу́сь, -оти́шься *сов. разг.* қайтиб келмоқ, йўлдан қайтмоқ.

ВОРОТНИ́К *м, р.* **-а́** ёқа; **меховой** ~ мўйна ёқа; **стоя́чий** ~ тик ёқа; **отложно́й** ~ қайтарма ёқа.

ВОРОТНИ́ЧОК *м, р.* **-чка́** ёқача, энсиз ёқа, кичкина ёқа.

ВОРОТО́К I *м, р.* **-тка́** *уменьш. от* **во́рот** II.

ВОРОТО́К II *м тех.* пармадаста, воротоқ.

ВОРО́ТЦА *мн. уменьш. от* **воро́та.**

ВО́РОХ *м, мн.* **-а́** 1 тўп, тўда, уюм (асосан, хашак, похол ва ш. к. нарсалар уюми ҳақида); ~ **соло́мы** похол уюми; ~**бума́г** бир тўп қоғоз; 2 *перен. разг.* кучоқ-кучоқ, бирталай, аллақанча; ~ **новосте́й** бирталай янгилик; 3 *с.-х.* хирмонда ҳали тозалаб олинмаган буғдой, пахта ва ҳ. к.

ВОРОХНУ́ТЬ *сов.* и *однокр. обл.* бир ағдармоқ, тўнтармоқ, ағдариб қўймоқ.

ВОРОХНУ́ТЬСЯ *сов.* и *однокр. обл.* бир ағдарилмоқ, тўнтарилмоқ.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ВОРОХООЧИСТИ́ТЕЛЬ *м* кўрак (кўсак) чувийдиган машина.

ВОРОЧА́ТЬ *несов.* 1 *кого-что* ағдармоқ, тўнтармоқ; ағдариб (тўнтариб) у ён-бу ён сурмоқ; ~ **ка́мни** тошларни ағдармоқ; тошларни ағдариб у ён-бу ён сурмоқ; 2 *перен. кем-чем разг.* бошқармоқ, идора қилмоқ, юргизмоқ; ~ **дела́ми** иш юргизмоқ, ишни бошқармоқ; 3 *кого-что прост.* айлантирмоқ.

ВОРОЧА́ТЬСЯ *несов. разг.* 1 у ёнидан бу ёнига ағдарилмоқ, у ёқдан бу ёққа ағнамоқ; тўлғанмоқ; ~ **в посте́ли** ўринда у ёнидан бу ёнига ағдарилмоқ; 2 айланмоқ, ғилдирамоқ; 3 айланмоқ, қимирламоқ; **язы́к переста́л** ~ тили гапга келмай қолди

ВОРОШИ́ТЬ *несов. (сов.* **развороши́ть**) *что* 1 ағдармоқ, титмоқ, тўзитмоқ; ~ **се́но** пичанни ағдармоқ; 2 *прост.* и *обл.* қимирлатмоқ; ✦ ~ **про́шлое** ўтган ишларни эсламоқ (эслатмоқ); ўтган гапни (ишни) ковламоқ.

ВОРОШИ́ТЬСЯ *несов.* 1 уймаланмоқ, ковламоқ; **в навёзной ку́че ворошатся пти́цы** гўнг тепада қушлар уймаланмоқда; 2 *прост.* и *обл.* қимирламоқ, ғимирламоқ, у ёндан бу ёнга ағдарилмоқ.

ВО́РС *м* тук, пат (бахмал, мовут, гилам ва ш. к. нинг бетидаги).

ВОРСИ́ЛЬНЫЙ, **-ая**, **-ое** *то же, что* **ворсова́льный.**

ВОРСИ́НКА *ж, р. мн.* **-нок** 1 бир дона тук, қил, мўй; 2 *бот.* тук (баъзи ўсимликларнинг сиртида бўладиган тук); 3 *анат.* қилча (ингичка ичакда ҳазм учун хизмат қиладиган қилчалар).

ВОРСИ́НЧАТ/ЫЙ, **-ая**, **-ое** тукли, тук билан қопланган; ~**ая оболо́чка** тукли парда (қобиқ).

ВОРСИ́СТ/ЫЙ, **-ая**, **-ое** тукли, сертук, тук билан қопланган, пахмоқ; ~**ое одея́ло** пахмоқ адёл.

ВОРСИ́ТЬ, **-ршу́**, **-рси́шь** *несов. что то же, что* **ворсова́ть.**

ВОРСОВА́ЛЬН/ЫЙ, **-ая**, **-ое** ворсовкалайдиган, тук чиқарадиган, пахмоқлайдиган, пахмоқ қиладиган; ~**ая маши́на** ворсовкалайдиган (пахмоқлайдиган) машина, ворсовка машинаси; ✦ ~**ая ши́шка** тўғизтароқ тиканаги (жун газламаларни ворсовкалаш учун ишлатилади).

ВОРСОВА́НИЕ *с по гл.* **ворсова́ть**; ~ **тка́ней** газламаларни ворсовкалаш (пахмоқлаш).

ВОРСОВА́ТЬ, **-су́ю**, **-су́ешь** *несов. (сов.* **наворсова́ть**) *что* ворсовкаламоқ, пахмоқламоқ, тук чиқармоқ, пахмоқ қилмоқ; ~ **сукно́** мовутни пахмоқламоқ (пахмоқ қилмоқ).

ВОРСО́ВКА *ж по гл.* **ворсова́ть.**

ВОРСОВ/О́Й, **-а́я**, **-о́е** тукли, пахмоқ; ~**а́я ткань** тукли газлама, пахмоқ газмол.

ВОРСЯ́НКА *ж бот.* 1 тўғизтароқ; 2 тўғизтароқ тиканаги.

ВОРЧА́НИЕ *с по гл.* **ворча́ть**; ~ **щенка́** кучук боланинг ангиллаши; **недово́льное** ~ норозилик минғирлаш.

ВОРЧА́ТЬ *несов. на кого-что* 1 ангилламоқ, ирилламоқ, ғингшимоқ; 2 жаврамоқ, вайсамоқ, минғирламоқ; пўнғилламоқ, тўнғилламоқ; минғир-минғир қилмоқ.

ВОРЧЛИ́ВО *нареч.* жавраб, вайсаб, минғирлаб; пўнғиллаб, тўнғиллаб.

ВОРЧЛИ́ВЫЙ, **-ая**, **-ое** 1 жавракн, вайсақи, серғап, эзма; минғир-минғир, чакаги очиқ; ~ **челове́к** вайсақи одам; 2 ирилдоқ, чийилдоқ; чийиллаган; ~ **го́лос** чийилдоқ (чийиллаган) овоз.

ВОРЧУ́Н *м, р.* **-а́** *разг.* жавракн (серғап) одам, вайсақи, эзма.

ВОРЧУ́НЬЯ *ж, р. мн.* **-ний** *разг.* жавракн (вайсақи) аёл, серғап аёл.

ВОС- *см.* **воз-.**

ВОСВОЯ́СИ *нареч. разг.* ўз уйига, келган жойига, ўз йўлига; **отпра́виться** ~ келган жойига қайтиб кетмоқ, уйига (ўз йўлига) жўнаб қолмоқ.

ВОСЕМНАДЦА́ТЫЙ, **-ая**, **-ое** *числ. порядок.* ўн саккизинчи.

ВОСЕМНАДЦА́ТЬ *числ. колич.* ўн саккиз.

ВОСЕ́МЬ, *р.* **восьми́**, *твор.* **восемью́** *числ. колич.* саккиз; саккизта; ~ **карандаше́й** саккизта қалам; **гру́ппа из восьми́ челове́к** саккиз кишидан иборат (саккиз кишилик) **группа.**

ВОСЕМЬДЕСЯ́Т, *р.* **восьми́десяти**, *твор.* **восемьюдесятью** *числ. колич.* саксон; саксонта.

ВОСЕМЬСО́Т, *р.* **восьмисо́т**, *дат.* **восьмиста́м**, *твор.* **восемьюстами**, *предл.* **о восьмиста́х** *числ. колич.* саккиз юз; саккиз юзта.

ВОСЕМЬЮ *нареч.* саккиз марта, саккиз карра; ~ **во́семь** — **шестьдеся́т четыре** саккиз карра саккиз — олтмиш тўрт.

ВОСК *м* мум; **пчели́ный** ~ асалари муми.

ВОСКЛИ́КНУТЬ *сов. (несов.* **восклица́ть**) хитоб қилмоқ, ундамоқ, чақирмоқ, ҳайқирмоқ, наъра тортмоқ.

ВОСКЛИЦА́НИЕ *с* хитоб, нидо, ундов, наъра, ҳайқириқ; хитоб қилиш, ҳайқириш, ундаш; **ра́достное** ~ хурсандлик ҳайқириғи; севинч нидоси.

ВОСКЛИЦА́ТЕЛЬН/ЫЙ, **-ая**, **-ое** 1 ундов билдирувчи (ифодаловчи), хитобли, ундалма; ундов...; ~**ая интона́ция** ундов интонацияси (оҳанги); 2 *грам.* ундов билдирувчи; ундов...; ~**ый знак** ундов белгиси; ~**ое предложе́ние** ундов гап.

ВОСКЛИЦА́ТЬ *несов. см.* **воскли́кнуть.**

ВОСКО́ВКА *ж* восковка (нусха кўчириш учун мум билан ишланган қоғоз).

ВОСКОВ/О́Й, **-а́я**, **-о́е** 1 мумга оид; мумдан қилинган; мумли; мум...; ~**а́я свеча́** мум шам; 2 *перен.* сомондай сариқ, заъфарон; ~**о́е лицо́** сомондай сариқ юз, заъфарон юз; ✦ ~**а́я спе́лость** (или **зре́лость**) думбуллик, ғалланинг (доннинг) думбул пайти.

ВОСКРЕСА́ТЬ *несов. см.* **воскре́снуть.**

ВОСКРЕСЕ́НИЕ *с* 1 *по гл.* **воскре́снуть**; 2 *перен.* қайтадан вужудга келиш, туғилиш, жонланиш.

ВОСКРЕСЕ́НЬ/Е *с* якшанба; **в** ~**е** якшанба куни(да); **по** ~**ям** якшанба кунлари(да).

ВОСКРЕСИ́/ТЬ, **-ешу́**, **-еси́шь** *сов. (несов.* **воскреша́ть**) *кого-что* 1 тирилтирмоқ, жон киргизмоқ; ҳаётга қайтармоқ; 2 *перен.* жонлантирмоқ, тирилтирмоқ, руҳлантирмоқ, руҳини тетик қилмоқ; **го́рный во́здух** ~**л его́** тоғ ҳавоси уни тирилтирди (унга жон киргизди); 3 *перен.* тикламоқ, хотирага келтирмоқ, эсга олмоқ; ~**ть в па́мяти** хотирламоқ, эсга олмоқ; эсга солмоқ.

ВОСКРЕ́С/НУТЬ, **-ну**, **-нешь**; **-е́с**, **-е́сла** *сов. (несов.* **воскреса́ть**) 1 тирилмоқ, ҳаётга қайтмоқ; 2 *перен.* тирилмоқ, жонланмоқ; руҳланмоқ, тетик тортмоқ; 3 *перен.* қайтадан тикланмоқ; яна туғилмоқ; вужудга келмоқ; ~**ла наде́жда** яна умид туғилди.

ВОСКРЕ́СН/ЫЙ, **-ая**, **-ое** якшанба кунига оид; якшанба куни бўлган (бўладиган), якшанба кунги; якшанба...; ~**ый день** якшанба куни; ~**ая прогу́лка** якшанба кунги сайр; ✦ ~**ые шко́лы** *ист.* якшанба мактаблари (революциядан илгариги Россияда: катта ёшдаги кишилар учун якшанба кунлари ишлаган мактаблар).

ВОСКРЕША́ТЬ *несов. см.* **воскреси́ть.**

ВОСКРЕШЕ́НИЕ *с по гл.* **воскреси́ть — воскреша́ть.**

ВОСКРИ́КНУТЬ *сов. уст. то же, что* **вскри́кнуть.**

ВОСКУРИ́ВАТЬ *несов. уст. то же, что* **воскури́ть.**

ВОСКУРИ́ТЬ, **-урю́**, **-у́ришь** *сов.* (*несов.* **воскуривать** и **воскуря́ть**) *что:* ~ **фимиа́м** *кому ирон.* мақтамоқ, мақтовини келтирмоқ, кўкларга кўтармоқ.

ВОСКУРЯ́ТЬ *несов. уст. см.* **воскури́ть.**

ВОСЛЕ́Д *нареч. уст. то же, что* **вслед.**

ВОСПАЛЕ́НИЕ *с* яллиғланиш, еликиш; ~ **лёгких** ўпка яллиғланиши, зотилжам.

ВОСПАЛЕ́ННЫЙ, **-ая**, **-ое** 1 *прич. от* **воспали́ть**; 2 *в знач. прил.* яллиғланган, яллиғланиб қизарган, еликкан, шишган; ~**ые глаза́** қизарган кўзлар; 3 *в знач. прил.* қизишган, ҳаяжонланган, ҳаяжонли ҳолатдаги; қизиқ устидаги; ~**ое воображе́ние** ҳаяжонли ҳолатдаги тасаввур.

ВОСПАЛИТЕ́ЛЬНЫЙ, **-ая**, **-ое** яллиғланишга оид; яллиғланиш билан боғлиқ бўлган; яллиғланиш...; ~ **проце́сс** яллиғланиш процесси.

ВОСПАЛИ́ТЬ *сов. (несов.* **воспаля́ть**) 1 *что* яллиғлантирмоқ, қизартирмоқ; 2 *перен. кого-что уст.* қизиштирмоқ, тутақиштирмоқ, ҳаяжонга солмоқ, жўш урдирмоқ, жўштирмоқ.

ВОСПАЛИ́ТЬСЯ *сов. (несов.* **воспаля́ться**) 1 яллиғланмоқ, қизармоқ, шишмоқ; 2 *перен. уст.* қизишмоқ, тутақиш-

www.ziyouz.com kutubxonasi

моқ, ҳаяжонланмоқ, жу́шмоқ; ~ **гне́вом** ғазабдан тутақишмоқ.

ВОСПАЛЯ́ТЬ *несов. см.* **воспали́ть.**

ВОСПАЛЯ́ТЬСЯ *несов. см.* **воспали́ться.**

ВОСПАРИ́ТЬ *сов. (несов.* **воспаря́ть**) *уст.* парвоз қилмоқ, учмоқ, кўкларга кўтарилмоқ; ✦ ~ **ду́хом** (или **мы́слью**) *уст.* и *шутл. ирон.* руҳланмоқ, илҳомланмоқ, илҳоми қайнамоқ.

ВОСПАРЯ́ТЬ *несов. см.* **воспари́ть.**

ВОСПЕВА́ТЬ *несов. см.* **воспе́ть.**

ВОСПЕ́ТЬ, -пою́, -поёшь *сов. (несов.* **воспева́ть**) *кого-что высок.* куйламоқ, мадҳ қилмоқ, тараннум этмоқ; ~ **в стиха́х** шеърларда тараннум қилмоқ, шеър билан тавсиф қилмоқ.

ВОСПИТА́НИЕ *с* 1 *по гл.* **воспита́ть; коммунисти́ческое ~ молодёжи** ёшларни коммунистик руҳда тарбиялаш; **физи́ческое** ~ жисмоний жиҳатдан тарбиялаш, жисмоний тарбия; ~ **чувств** туйғуларни тарбиялаш; 2 тарбия, таълим, таълим-тарбия; **получи́ть хоро́шее** ~ яхши тарбия олмоқ.

ВОСПИТА́ННИК *м* 1 кимсанинг тарбиясида ўсган, етишган одам; шогирд; **наста́вник и его́ ~и** мураббий ва унинг шогирдлари; 2 тарбияланувчи, ўқувчи, талаба; ~ **университе́та** университетда ўқувчи (ёки ўқиган) киши; 3 асранди, тарбияга олинган бола.

ВОСПИ́ТАННИЦА *ж см.* **воспи́танник; ~ Ле́нинского комсомо́ла** Ленин комсомоли тарбиясини олган (тарбиясида етишган) аёл.

ВОСПИ́ТАННОСТЬ *ж* яхши тарбия кўрганлик, тарбиялилик, таълимлилик, боадаблик.

ВОСПИ́ТАННЫЙ, -ая, -ое 1 *прич. от.* **воспита́ть;** 2 *в знач. прил.* яхши тарбия кўрган, тарбияли, таълимли, одобли, боадаб; ~ **челове́к** тарбияли (таълимли, одобли) одам.

ВОСПИТА́ТЕЛЬ *м* тарбиячи, тарбияловчи, мураббий, устоз.

ВОСПИТА́ТЕЛЬНИЦА *ж* тарбиячи аёл, мураббия.

ВОСПИТА́ТЕЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое тарбия билан боғлиқ бўлган, тарбиявий; таълим-тарбия...; ~**ая рабо́та** тарбия ишлари, тарбиявий ишлар; ~**ое сре́дство** таълим-тарбия воситалари; ~**ое значе́ние труда́** меҳнатнинг тарбиявий аҳамияти; ✦ ~**ый дом** *ист.* болалар уйи, тарбия уйи (революциядан илгариги Россияда).

ВОСПИТА́ТЕЛЬСК/ИЙ, -ая, -ое тарбиячиликка (мураббийликка) оид; тарбиячилик...; мураббийлик...; ~**ая рабо́та** тарбиячилик (мураббийлик) иши.

ВОСПИТА́ТЬ *сов. (несов.* **воспи́тывать**) *кого-что* 1 тарбияламоқ, тарбия қилмоқ, таълим-тарбия бермоқ, тарбиялаб (таълим-тарбия бериб) ўстирмоқ, етиштирмоқ; ~ **дете́й** болаларни тарбияламоқ; болаларни тарбиялаб етиштирмоқ; 2 тарбияламоқ, таълим бермоқ; ўргатмоқ; ~ **уваже́ние к ста́ршим** катталарни ҳурматлашга ўргатмоқ; ~ **в де́тях привы́чку к труду́** болаларни меҳнатга ўргатмоқ; 3 ўстирмоқ, етиштирмоқ, парвариш қилмоқ; ~ **расте́ние** ўсимликни ўстирмоқ.

ВОСПИТА́ТЬСЯ *сов. (несов.* **воспи́тываться**) тарбияланмоқ, тарбия (таълим-тарбия) олмоқ, тарбияланиб етишмоқ, тарбия кўрмоқ.

ВОСПИ́ТЫВАТЬ *несов. см.* **воспита́ть.**

ВОСПИ́ТЫВАТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **воспита́ться;** 2 *страд. от* **воспи́тывать.**

ВОСПЛАМЕНЕ́НИ/Е *с по гл.* **воспламеня́ть** и **воспламеня́ться; ~е горю́чих материа́лов** ёнувчи материалларнинг аланга (ўт) олиши; **температу́ра ~я** алангаланиш температураси; ~**е заря́да** заряднинг алангаланиши; зарядни аланга олдириш.

ВОСПЛАМЕНИ́ТЬ *сов. (несов.* **воспламеня́ть**) 1 *что* алангалантирмоқ, аланга (ўт) олдирмоқ; 2 *перен. кого-что* уйғотмоқ, жўшга келтирмоқ, тутақиштирмоқ, қизиштирмоқ; ~ *чьё-л.* **воображе́ние** кимсанинг хаёлотини жўшдирмоқ.

ВОСПЛАМЕНИ́ТЬСЯ *сов. (несов.* **воспламеня́ться**) 1 алангаланмоқ, аланга (ўт) олмоқ; 2 *перен. чем* уйғонмоқ, жўшга келмоқ, тутақишмоқ, қизишмоқ, қизиқиб кетмоқ.

ВОСПЛАМЕНЯЕ́МОСТЬ *ж* тез алангаланиш, тез ўт олиш, тез ёниб кетиш.

ВОСПЛАМЕНЯ́ТЬ *несов. см.* **воспламени́ть.**

ВОСПЛАМЕНЯ́ТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **воспламени́ться;** 2 *страд. от.* **воспламеня́ть.**

ВОСПО́ЛНИТЬ *сов. (несов.* **восполня́ть**) *что* ўрнини (ёки камини, етишмаганини) тўлдирмоқ, тўлғазмоқ, тўлатмоқ, ҳиссасини чиқармоқ; бутламоқ; ~ **пробе́лы в свои́х зна́ниях** ўз билимидаги камчиликларни тўлдирмоқ.

ВОСПО́ЛНИТЬСЯ *сов. (несов.* **восполня́ться**) тўлдирилмоқ, ўрни тўлмоқ, ҳиссаси чиқмоқ, бут бўлмоқ.

ВОСПОЛНЯ́ТЬ *несов. см.* **воспо́лнить.**

ВОСПОЛНЯ́ТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **воспо́лниться;** 2 *страд. от* **восполня́ть.**

ВОСПО́ЛЬЗОВАТЬСЯ *сов. кем-чем* фойдаланмоқ, ишлатмоқ, истифода қилмоқ; фойдаланиб қолмоқ; ~ **слу́чаем** фурсатдан (имкониятдан) фойдаланмоқ; фурсатдан (имкониятдан) фойдаланиб қолмоқ; ~ **попу́тным тра́нспортом** йўловчи транспортдан фойдаланмоқ.

ВОСПОМИНА́НИ/Е *с* 1 эсдалик, ёдгорлик, хотира; ~**я де́тства** болалик хотиралари; **прия́тные ~я** ажойиб хотиралар; **оста́лось одно́ ~е** фақат хотира қолди; фақат номи қолди, холос; 2 *мн.* ~**я** хотиранома, хотиралар; **писа́ть ~я** хотиранома ёзмоқ; **ве́чер ~й** хотиралар кечаси.

ВОСПОМИНА́ТЬ *несов. кого-что уст. то же, что* **вспомина́ть.**

ВОСПОМЯНУ́ТЬ, -яну́, -я́нешь *сов. кого-что уст. то же, что* **вспомяну́ть.**

ВОСПОСЛЕ́ДОВАТЬ *сов. уст.* кетидан келмоқ, келиб чиқмоқ, натижасида содир бўлмоқ, оқибатида юзага келмоқ.

ВОСПРЕПЯ́ТСТВОВАТЬ *сов. кому-чему книжн.* тўсқинлик (монелик) қилмоқ, қаршилик қилмоқ, моне бўлмоқ, халал бермоқ; йўл қўймаслик; ~ **распростране́нию гри́ппа** грипп тарқалишига тўсқинлик қилмоқ; грипп тарқалишига йўл қўймаслик.

ВОСПРЕТИ́ТЬ, -ещу́, -ети́шь *сов. (несов.* **воспреща́ть**) *что* тақиқламоқ, ман (мамну) қилмоқ, қотоғон қилиб (тақиқлаб) қўймоқ; **вход воспрещён** кириш ман этилади (этилган); кириш мамнудир.

ВОСПРЕЩА́ТЬ *несов. см.* **воспрети́ть.**

ВОСПРЕЩА́/ТЬСЯ, -а́ется *несов.* тақиқланмоқ, ман этилмоқ; **кури́ть ~ется** чекиш ман этилади (этилган).

ВОСПРЕЩЕ́НИЕ *с* тақиқлаш, ман этиш, рухсат бермаслик.

ВОСПРИЕ́МНИК *м уст. то же, что* **крёстный оте́ц;** *см.* **крёстный.**

ВОСПРИЕ́МНИЦА *ж уст. то же, что* **крёстная мать;** *см.* **крёстный.**

ВОСПРИИ́МЧИВОСТЬ *ж* 1 зеҳни ўткирлик, зеҳнлилик; уқувлилик, идроклилик; 2 таъсирланувчанлик, берилувчанлик; бир нарсани тез ўзига олиш, мойиллик; ~ **к боле́зням** касалликларга мойиллик.

ВОСПРИИ́МЧИВЫЙ, -ая, -ое 1 зеҳни ўткир (баланд), зеҳнли, идрокли, уқувли; ~ **ребёнок** зеҳни баланд бола; ~ **ум** ўткир ақл, идрок; 2 таъсирланувчан, берилувчан; бирор нарсани ўзига тез олувчи, мойил; **ребёнок, ~ к боле́зням** касалликларга мойил бола.

ВОСПРИНИМА́ТЬ *несов. см.* **воспри́нять.**

ВОСПРИНИМА́ТЬСЯ, -а́ется *несов.* 1 *см.* **восприня́ться;** 2 *страд. от* **воспринима́ть.**

ВОСПРИ́НЯТЬ, -иму́, -и́мешь *сов. (несов.* **воспринима́ть**) *что* 1 ўзига олмоқ, қабул қилмоқ; ~ **тепло́** иссиқликни қабул қилмоқ (олмоқ); 2 идрок қилмоқ, уқмоқ, ўзлаштирмоқ; ~ **трудовы́е на́выки** меҳнат малакаларини ўзлаштирмоқ.

ВОСПРИНЯ́ТЬСЯ, -и́мется *сов. (несов.* **воспринима́ться**) идрок қилинмоқ, уқиб олинмоқ, ўзлашмоқ.

ВОСПРИЯ́ТИ/Е *с* 1 *по гл.* **восприя́ть; ~е хо́лода** совуқни ўзига олиш; ~**е зна́ний** билимларни ўзлаштириш; 2 *психол. филос.* зеҳн, идрок; идрок қилиш; **зако́ны ~я** идрок (қилиш) қонунлари.

ВОСПРИЯ́ТЬ, -ие́млю, -ие́млешь и **-иму́, -и́мешь; восприня́л** *сов. что уст. то же, что* **восприня́ть.**

ВОСПРОИЗВЕДЕ́НИЕ *с по гл.* **воспроизвести́; ~ зву́ка** овозни қайтадан тиклаш (эшиттириш); ~ **в па́мяти** эслаш, хотирлаш.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ВОСПРОИЗВЕСТИ́, -еду́, -едёшь *сов. (несов.* **воспроизводи́ть)** *что* 1 қайта (такрор) ишлаб чиқармоқ; 2 худди ўзидай (аслидай) қайтармоқ, акс эттирмоқ, тасвирламоқ, қандай бўлса, шундай айтиб бермоқ, тикламоқ.

ВОСПРОИЗВОДИ́ТЬ, -ожу́, -о́дишь *несов. см.* **воспроизвести́.**

ВОСПРОИЗВО́ДСТВО *с* 1 *по гл.* **воспроизводи́ть; 2** *эк.* такрор ишлаб чиқариш; **просто́е ~** оддий такрор ишлаб чиқариш; **расши́ренное социалисти́ческое ~** кенгайтирилган социалистик такрор ишлаб чиқариш.

ВОСПРОТИ́ВИТЬСЯ, -влюсь, -вишься *сов. кому-чему* қарши турмоқ (чиқмоқ). қаршилик кўрсатмоқ; *~ какому-л.* **реше́нию** бирор қарорга қарши турмоқ (чиқмоқ).

ВОСПРЯНУ́ТЬ *сов. уст.* и *высок.* ғўриб турмоқ, сапчиб (дик этиб) турмоқ; ✦ **~ ду́хом** руҳи (кўнгли) кўтарилмоқ, руҳи кўтарилиб ўзига келмоқ; **~ от сна** *уст.* уйғонмоқ, уйқудан турмоқ, уйқудан бош кўтармоқ.

ВОСПЫЛА́ТЬ *сов.* 1 *уст.* аланга (ўт) олмоқ, ёнмоқ, алангаланмоқ; 2 *чем* ёнмоқ, ўртанмоқ; **~ не́навистью** нафрат ўти билан ёнмоқ; **~ любо́вью** муҳаббат ўтида (аланга-сида) ёнмоқ.

ВОССЕДА́ТЬ *несов. уст.* и *ирон.* керилиб ўтирмоқ, савлат билан (тантанавор) ўтирмоқ.

ВОССЕСТЬ, -ся́ду, -ся́дешь; воссе́сть *сов. уст.* и *ирон.* керилиб ўтириб олмоқ; савлат (виқор) билан ўтирмоқ.

ВОССИЯ́ТЬ *сов. высок. уст.* ярқирамоқ, чақнаб кетмоқ, чақнаб ёғду сочмоқ.

ВОССЛА́ВИТЬ, -влю, -вишь *сов. (несов.* **восславля́ть)** *кого-что высок. уст.* кўкларга кўтармоқ, мақтамоқ, мадҳ этмоқ, тараннум қилмоқ; **~ побе́ду** ғалабани мадҳ этмоқ.

ВОССЛАВЛЯ́ТЬ *несов. см.* **восслави́ть.**

ВОССОЕДИНЕ́НИЕ *с* қайтадан қўшиш, бирлаштириш; қайтадан қўшилиш, бирлашиш.

ВОССОЕДИНИ́ТЬ *сов. (несов.* **воссоединя́ть)** *что* қайтадан қўшмоқ, қайтадан бирлаштирмоқ.

ВОССОЕДИНИ́ТЬСЯ *сов. (несов.* **воссоединя́ться)** қайтадан қўшилмоқ, қайтадан бирлашмоқ.

ВОССОЕДИНЯ́ТЬ *несов. см.* **воссоедини́ть.**

ВОССОЕДИНЯ́ТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **воссоедини́ться; 2** *страд. от* **воссоединя́ть.**

ВОССОЗДАВА́ТЬ, -даю́, -даёшь *несов. см.* **воссозда́ть.**

ВОССОЗДАВА́ТЬСЯ, -даётся *несов.* 1 *см.* **воссозда́ться; 2** *страд. от* **воссоздава́ть.**

ВОССОЗДА́ТЬ, -а́м, -а́шь, -а́ст, -адим́, -адите́, -аду́т *сов. (несов.* **воссоздава́ть)** *что* 1 аслидай қилиб тикламоқ, аслига (асли ҳолига) келтирмоқ; 2 тикламоқ, хотирага келтирмоқ, тасаввур қилмоқ, қандай бўлса шундай тасвирлаб бермоқ; **~ события про́шлого** ўтмиш воқеаларни хотирламоқ (қандай бўлса шундай тасвирлаб бермоқ).

ВОССОЗДА́ТЬСЯ, -а́стся, -аду́тся *сов. (несов.* **воссоздава́ться)** 1 қайтадан яралмоқ, тикланмоқ, аслига (асли ҳолига) келмоқ; 2 хотирига келмоқ, тикланмоқ.

ВОССТАВА́ТЬ, -таю́, -таёшь *несов. см.* **восста́ть.**

ВОССТА́ВИТЬ, -влю, -вишь *сов. (несов.* **восставля́ть)** *уст. то же, что* **восстанови́ть.**

ВОССТАВЛЯ́ТЬ *несов. см.* **восста́вить.**

ВОССТАНА́ВЛИВАТЬ *несов. см.* **восстанови́ть.**

ВОССТАНА́ВЛИВАТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **восстанови́ться; 2** *страд. от* **восстана́вливать.**

ВОССТА́НИ/Е *с* қўзғолон, ғалаён, исён; **вооружённое ~е** қуролли қўзғолон; **крестья́нские ~я** деҳқонлар қўзғолонлари.

ВОССТАНОВИТЕЛ/Ь *м* 1 тикловчи ишчи, уста; таъмиркор; **~и па́мятников старины́** қадимги ёдгорликларни тикловчилар; 2 *хим.* тиклагич; 3 тиклагич (соч рангини асл ҳолига келтирувчи модда).

ВОССТАНОВИТЕЛЬНЫ/Й, -ая, -ое тиклашга (тиклашга) оид; тиклаш..., (таъмирлаш...; тикланиш...; **~й пери́од** тикланиш (тиклаш) даври; **~е рабо́ты** тиклаш (таъмирлаш) ишлари.

ВОССТАНОВИ́ТЬ, -овлю́, -о́вишь *сов. (несов.* **восстановля́ть** и **восстана́вливать)** *кого-что* 1 тикламоқ, аслига (асли ҳолига) келтирмоқ, таъмир қилмоқ; **~ разру́шенный го́род** вайрон бўлган шаҳарни тикламоқ; **~ своё здоро́вье** ўз соғлиғини тикламоқ; **2** *перен.* тикламоқ, аслидай тасаввур (ёки тасвир) қилмоқ; **~в па́мяти** қандай бўлса шундай ёдга туширмоқ (эсга солмоқ); **3** *в чём* ўз ўрнига қайтармоқ, тикламоқ; *~ кого-л.* **в права́х** кимсанинг ҳуқуқларини тикламоқ; **~ в до́лжности** ўз вазифасига тикламоқ; **4** *против кого-чего* оёқлантирмоқ, хезламоқ, душман (қарши) қилиб қўймоқ; **~ всех про́тив** *кого-л.* ҳаммани кимсага қарши қилиб қўймоқ.

ВОССТАНОВИ́/ТЬСЯ, -овлю́сь, -о́вишься *сов. (несов.* **восстановля́ться** и **восстана́вливаться)** 1 тикланмоқ, қайтадан қурилмоқ, аслига (илгари ҳолига) қайтмоқ; **здоро́вье ~лось** соғлиқ (саломатлик) тикланди; **мир ~лся** яна тинчлик ўрнатилди; 2 *перен.* тикланмоқ, аслидай ёдга тушмоқ, эсга келмоқ; **3** *в чём* тикланмоқ, ўз ўрнига келмоқ, қайтариб қўйилмоқ; **~ться в права́х** ҳуқуқлари тикланмоқ.

ВОССТАНОВЛЕ́НИЕ *с по гл.* **восстанови́ть** 1, 2, 3 и **восстанови́ться; ~ наро́дного хозя́йства** халқ хўжалигини тиклаш; **~ здоро́вья** соғлиғини тиклаш; **~ в до́лжности** ўз вазифасига тикланиш (қайтиш).

ВОССТАНОВЛЯ́ТЬ *несов. прост. см.* **восстанови́ть.**

ВОССТАНОВЛЯ́ТЬСЯ *несов. прост.* 1 *см.* **восстанови́ться; 2** *страд. от* **восстанавля́ть.**

ВОССТА́ТЬ, -а́ну, -а́нешь *сов. (несов.* **восстава́ть) 1** *уст.* и *высок.* қўзғалмоқ, турмоқ, кўтарилмоқ; **2** *против кого-чего* кўтарилмоқ, бош кўтармоқ, қўзғолон қилмоқ; **~ про́тив притесне́ний** зулмга қарши кўтарилмоқ; **3** қарши чиқмоқ, қаршилик қилмоқ.

ВОСТО́К *м* 1 шарқ, машриқ, кун чиқиш; **дви́гаться на ~** шарққа қараб юрмоқ; **на ~** *от чего-л.* шарқ томонида, шарқида; **дом стои́т фаса́дом на ~** уйнинг олди шарққа (кун чиқиш томонига) қараган; 2 Шарқ; Шарқ мамлакатлари; **Да́льний Восто́к** Узоқ Шарқ; **путеше́ствие на Восто́к** Шарққа (Шарқ мамлакатларига) саёҳат.

ВОСТОКОВЕ́Д *м* шарқшунос.

ВОСТОКОВЕ́ДЕНИЕ *с* шарқшунослик.

ВОСТОКОВЕ́ДНЫЙ, -ая, -ое шарқшуносликка оид; шарқшунослик...

ВОСТОКОВЕ́ДЧЕСКИЙ, -ая, -ое шарқшуносликка оид; шарқшунослик...

ВОСТОРГ *м* катта завқ, шавқ, хурсандлик; **вы́звать ~** ғоят завқини келтирмоқ; **привести́ в ~** ғоят завқлантирмоқ, қойил қолдирмоқ; **прийти́ в ~** қойил қолмоқ; таҳсин ўқимоқ; **быть в ~е** жуда қойил бўлмоқ; ✦ **администрати́вный ~** *ирон.* тўрачилик.

ВОСТОРГА́ТЬ *несов. кого-что* ғоят хурсанд қилмоқ, завқини келтирмоқ.

ВОСТОРГА́ТЬСЯ *несов. кем-чем* ғоят хурсанд бўлмоқ, завқланмоқ; таҳсин ўқимоқ; **~ приро́дой** табиатдан ғоят завқланмоқ.

ВОСТОРЖЕННО *нареч.* ғоят завқланиб, қойил бўлиб, завқ-шавқ билан, таҳсин ўқиб; **~ отзыва́ться** *о ком-чём-л.* таҳсинлар ўқиб мақтамоқ.

ВОСТОРЖЕННЫЙ, -ая, -ое ғоят завқли; завққа тўлган, қувончли; ўзида йўқ хурсанд; **~ взгляд** қувончли қараш; **~ю́ноша** ғоят завқли йигит; ўзида йўқ хурсанд йигит.

ВОСТОРЖЕСТВОВА/ТЬ, -твую́, -твуешь *сов.* тантана (ғалаба) қилмоқ, енгмоқ, ғолиб келмоқ, зафар топмоқ, устун чиқмоқ; **~ть над проти́вником** душман устидан ғолиб келмоқ; **и́стина ~ла** ҳақиқат тантана қилди.

ВОСТОЧНЕЕ *нареч.* шарқроқда, шарқ тарафда.

ВОСТОЧНИК *м разг. то же, что* **востоковед.**

ВОСТОЧНОСЛАВЯНСКИЙ, -ая, -ое шарқий славянларга оид; шарқий славян...

ВОСТО́ЧН/ЫЙ, -ая, -ое 1 шарққа оид; шарқдаги, шарқий...; **~ая грани́ца** шарқий чегара; шарқдаги чегара; **~ый ве́тер** шарқий (шарқ томондан эсган) шамол; **~ые райо́ны страны́** мамлакатнинг шарқий районлари; **в ~ом направле́нии** шарқий йўналишда; шарқ томонга; 2 Шарққа, Шарқ мамлакатларига оид; Шарқ...; **~ые наро́ды** Шарқ халқлари; **~ая архитекту́ра** Шарқ архитектураси.

ВОСТРЕ́БОВАНИ/Е *с по гл.* **востре́бовать;** ✦ **до ~я** йўқлаб олинадиган (хат).

ВОСТРЕ́БОВАТЬ *сов. что* сўраб (йўқлаб, талаб қилиб) олмоқ; **~ груз** юкни талаб қилиб олмоқ.

ВОСТРЕПЕТА́ТЬ, -пещу́, -пе́щешь *сов. высок. уст.* титрамоқ, қалтирамоқ, ларзага келмоқ, титраб кетмоқ.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ВОСТРИ́ТЬ *несов. что прост.* и *обл.* ўткирламоқ, қайрамоқ, чархламоқ; ✦ **~зу́бы** *на что* бирор нарсани қўлга киритиш учун астойдил ёпишмоқ, қасд (жазм) қилмоқ, кўз тикмоқ, тикилмоқ.

ВОСТРО *нареч.*: **держа́ть у́хо ~** *разг.* кўз-қулоқ бўлмоқ, ҳушёр бўлиб турмоқ.

ВОСТРОГЛА́ЗЫЙ, -ая, -ое *разг.* ўткир кўзли, кўзи ўткир; кўзлари ўйнаб турадиган, кўзлари ўйноқ.

ВОСТРОНО́СЫЙ, -ая, -ое *разг.* қирра бурун, ингичка бурун.

ВОСТРУБИ́ТЬ, -блю́, -би́шь *сов. уст.* и *нар.-поэт.* чала (ёки чалина) бошламоқ, чалиб юбормоқ (карнай, труба ҳақида).

ВОСТРУ́ХА *ж прост. то же, что* **востру́шка.**

ВОСТРУ́ШКА *ж, р. мн.* **-шек** *разг.* чаққон, ўйноқи қиз.

ВОСТРЫЙ, -ая, -ое *прост.* и *обл. то же, что* **о́стрый.**

ВОСХВАЛЕ́НИЕ *с* 1 *по гл.* **восхвали́ть**; 2 мақтов, васф, тасанно, мадҳ; ҳамду сано.

ВОСХВАЛИ́ТЬ, -алю́, -а́лишь *сов. (несов.* **восхваля́ть**) *кого-что* жуда мақтамоқ, васф этмоқ, мақтаб кўкларга кўтармоқ, тасанно ўқимоқ.

ВОСХВАЛЯ́ТЬ *несов. см.* **восхвали́ть.**

ВОСХИТИ́ТЕЛЬНО *нареч.* қойил-мақом қилиб, ўринлатиб, ғоят гўзал, чиройли, ажойиб; **~ петь** ғоят ажойиб ашула айтмоқ.

ВОСХИТИ́ТЕЛЬНЫЙ, -ая, -ое; -лен, -льна таҳсинга лойиқ, ғоят гўзал, чиройли, ажойиб, қойил-мақом; мафтункор, дилрабо.

ВОСХИТИ́ТЬ, -ищу́, -ити́шь *сов. кого-что (несов.* **восхища́ть**) ғоят завқлантирмоқ, мафтун қилмоқ, қойил қолдирмоқ.

ВОСХИТИ́ТЬСЯ, -ищу́сь -ити́шься *сов. (несов.* **восхища́ться**) *кем-чем* ғоят завқланмоқ, завқ олмоқ, мафтун бўлмоқ, қойил қолмоқ, таҳсин ўқимоқ, тасанно айтмоқ; **~ на́родной мело́дией** халқ куйларидан завқ олмоқ; **~ карти́нами приро́ды** табиат манзараларидан ғоят завқланмоқ.

ВОСХИЩА́ТЬ *несов. см.* **восхити́ть.**

ВОСХИЩА́ТЬСЯ *несов. см.* **восхити́ться.**

ВОСХИЩЕ́НИ/Е *с* завқ олиш, таҳсин ўқиш, тасанно айтиш, қойил қолиш, тан бериш; завқ-шавқ; таҳсин, тасанно; **быть в ~и** мафтун бўлмоқ, қойил қолмоқ; **прийти́ в ~е** завқ олмоқ; **привести́ в ~е** мафтун қилмоқ, қойил қолдирмоқ; **ко всео́бщему ~ю** ҳаммани мафтун қилиб, қойил қолдириб.

ВОСХИЩЕ́ННО *нареч.* завқ билан, қойил қолиб, тан бериб, таҳсин айтиб.

ВОСХИЩЕ́ННЫЙ, -ая, -ое 1 *прич. от* **восхити́ть**; 2 *в знач. прил.* завққа тўлган, завқланган, мафтун, қойил.

ВОСХО́Д *м* 1 *по гл.* **восходи́ть 1**; **~ на верши́ну** чўққига чиқиш (кўтарилиш); 2 чиқиш; **~ со́лнца** қуёш (кун) чиқиши; **пе́ред ~ом со́лнца** қуёш (кун) чиқишидан олдин; 3 қуёш чиқиш пайти, тонг; **со́лнечный ~** эрта тонг; 4 шарқ, шарқ томон.

ВОСХОДИ́ТЕЛЬ *м то же, что* **альпини́ст.**

ВОСХОДИ́ТЬ, -ожу́, -о́дишь *несов.* 1 (*сов.* **взойти́**) кўтарилмоқ, юксалмоқ, чиқмоқ; **~ на го́ру** тоққа чиқмоқ; 2 (*сов.* **взойти́**) чиқмоқ; **со́лнце восхо́дит** қуёш (кун) чиқмоқда; 3 *к чему* бориб тақалмоқ, келиб чиқмоқ; **мно́гие обы́чаи восхо́дят к дре́вности** кўп одатлар қадим замонларга бориб тақалади (қадим замонларда келиб чиққан).

ВОСХОДЯЩ/ИЙ, -ая, -ее 1 *прич. от* **восходи́ть**; 2 *в знач. прил.* юқорига йўналган, кўтариладиган (кўтарилаётган), кўтарилувчи; **~ий гра́фик** юқорига кўтарилиб борувчи график; **~ая ли́ния родства́** аждодлар шажараси; **~ее светѝло** бирор соҳада шуҳрат қозонаётган (донғи чиқаётган) одам.

ВОСХОЖДЕ́НИЕ *с по гл.* **восходи́ть** 1, 2; **~ на го́ру** тоққа чиқиш, тоққа кўтарилиш; **~ Со́лнца** Қуёшнинг чиқиши.

ВОСХОТЕ́ТЬ *сов. уст.* жуда ҳам истаб (хоҳлаб) қолмоқ, кўнгли суст кетмоқ.

ВОСЧУ́ВСТВОВАТЬ *сов. уст.* ҳис қилмоқ, сезмоқ.

ВОСШЕ́СТВИЕ *с уст. то же, что* **восхожде́ние**; ✦ **~ на прести́л** тахтга ўтириш (миниш).

ВОСЬМЕРИ́К *м* 1 саккизталик (саккизта бирликдан, мас., қадоқдан, газдан ва ҳ. к. иборат эски ўлчов бирлиги); 2 саккиз қаватли (саккиз донали ва ҳ. к.) нарса; **верёвка- ~** саккиз қават қилиб эшилган арқон.

ВОСЬМЕРИ́ЧН/ЫЙ: «и» ~ое «и» ҳарфининг эски номи.

ВОСЬМЁРК/А *ж, р. мн.* **-рок** 1 саккиз рақами; саккиз; 2 саккизлик (карта ўйинида); **~а пик** қарғанинг саккизлиги, саккизлик қарға; 3 саккиз эшкакли қайиқ; 4 *разг.* саккизинчи; **дое́хать ~ой** саккизинчида (саккиз номерли трамвай, троллейбус, автобус ва ш. к. да) бормоқ; 5 *разг.* саккизталик группа; **~а лошаде́й** саккизта от; **~а самолёто́в** саккизта самолёт.

ВОСЬМЕРО, *р.* **-рых** *числ. собир.* саккизта, саккизлаб, саккизовлон, саккиз киши; **нас бы́ло ~** биз саккизовлон (саккиз киши) эдик; **~ но́жниц** саккизта қайчи.

ВОСЬМИВЕСЕ́ЛЬНЫЙ и **ВОСЬМИВЕСЕ́ЛЬНЫЙ, -ая, -ое** саккиз эшкакли.

ВОСМИГРА́ННИК *м* саккиз ёқлик.

ВОСЬМИГРА́ННЫЙ, -ая, -ое саккиз ёқли, саккиз қиррали.

ВОСЬМИДЕСЯТИЛЕ́ТИЕ *с* саксон йиллик (юбилей, маросим).

ВОСЬМИДЕСЯТИЛЕ́ТНИЙ, -яя, -ее 1 саксон йиллик, саксон йил давом этган (этадиган); 2 саксон ёшли, саксон яшар.

ВОСЬМИДЕСЯ́ТНИК *м* саксонинчи йилларда яшаган арбоб.

ВОСЬМИДЕСЯ́ТЫЙ, -ая, -ое *числ. порядк.* саксонинчи.

ВОСЬМИДНЕ́ВНЫЙ, -ая, -ое саккиз кунлик, саккиз кун давом этган (этадиган), саккиз кунга мўлжалланган.

ВОСЬМИКЛА́ССНИК *м* саккизинчи синф ўқувчиси.

ВОСЬМИКЛА́ССНИЦА *ж см.* **восьмикла́ссник.**

ВОСЬМИКРА́ТНЫЙ, -ая, -ое саккиз марта, саккиз карра, саккиз бор.

ВОСЬМИЛЕ́ТН/ИЙ, -яя, -ее 1 саккиз йиллик, саккиз йил давом этган (этадиган); саккиз йилга мўлжалланган; **~ее обуче́ние** саккиз йиллик ўқиш; 2 саккиз ёшли, саккиз яшар.

ВОСЬМИНО́Г *м то же, что* **осьмино́г.**

ВОСЬМИСОТЛЕ́ТИЕ *с* саккиз юз йиллик (юбилей, маросим).

ВОСЬМИСОТЛЕ́ТНИЙ, -яя, -ее саккиз юз йиллик.

ВОСЬМИСО́ТЫЙ, -ая, -ое *числ. порядк.* саккиз юзинчи, саккиз юз номерли.

ВОСЬМИСТРУ́ННЫЙ, -ая, -ое саккиз торли.

ВОСЬМИУГО́ЛЬНИК *м* саккизбурчак.

ВОСЬМИУ́ГОЛЬНЫЙ, -ая, -ое саккиз бурчакли.

ВОСЬМИЧАСО́ВОЙ, -а́я, -о́е 1 саккиз соатли, саккиз соат давом этган (этадиган); саккиз соатга мўлжалланган; **~ рабо́чий де́нь** саккиз соатли иш куни; 2 соат саккиздаги; **~ по́езд** соат саккиздаги поезд.

ВОСЬМ/О́Й, -а́я, -о́е 1 *числит. порядк.* саккизинчи, саккиз номерли; **~о́й дом** саккизинчи уй; **~о́й час** соат еттидан ошди; 2 *в знач. сущ.* **~а́я** *ж* саккиздан бир, нимчорак.

ВОСЬМУ́ШКА *ж, р. мн.* **-шек** *уст.* 1 саккиздан бир, нимчорак; **~ табаку́** нимчорак тамаки; 2 саккиздан бир варақ, нимчорак варақ; **~ бума́ги** саккиздан бир варақ қоғоз.

ВОТ *частица* 1 *указат.* мана, ана; **~ здесь** мана бу ерда; **~ дом, где я жил** мана (ана) мен яшаган уй; **~ идёт по́езд** мана (ана) поезд келяпти; **~ и о́сень пришла́** мана куз ҳам келди; **~ и дое́хали** мана етиб ҳам олдик; **~ так** ана шундай; 2 худди, нақ; **~ вас-то мне и на́до бы́ло** худди сиз менга керак эдингиз; 3 ана!; **~ удово́льствие!** ана маза, ана роҳат!; **~ но́вость!** ана янгилик!; 4 худди; ҳа, ана; **~ то-то** худди шундай, ҳа, ана шундай; гап шундада; **~ ведь** ахир; **~ уж тогда́** ана ўшанда, ана шундагина, ана ўша пайтда, ана у вақтда; ✦ **~ ещё!** фақат шуниси кам эди, шуниси етмай турган эди, мана яна; **~ так... ва...; ана...; ~ так игро́к!** ва, шу ҳам ўйинчи бўлдими!; ана ўйинчи-ю, мана ўйинчи!; **~ так исто́рия!** жуда қизиқ бўлди-да (бўлди-ку); **~ тебе́!** ана сенга, ана бўлмаса!; ана нима бўлди!; **~ тебе́ (и) на! оббо, ана холос!; ~ так так!**

www.ziyouz.com kutubxonasi

ана холос!; **во́т что!** гап шундай!; **во́т (оно́) как!** хали шунақами (шундаймн)!

ВОТ-ВО́Т *нареч. разг.* ҳозир, ҳадемай, тез орада, ҳашташ дегунча; ~ **он упадёт** ҳозир йиқилади, йиқилай-йиқилай деб турибди; **подожди́те, ~ он придёт** тўхтаб туринг, у ҳозир (тез орада) келиб қолади.

ВОТИ́РОВАТЬ *сов.* и *несов. что* овоз бермоқ, қўл кўтармоқ; овоз бериб тасдиқламоқ, қабул қилмоқ, билдирмоқ; ~ **кредиты** овоз бериб кредитларни тасдиқламоқ; ~ *комул.* **недове́рие** ишончсизлик билдирмоқ.

ВОТИ́РОВКА *ж* овоз бериш, қўл кўтариш; овозга қўйиш.

ВОТКА́ТЬ *сов. что* қўшиб тўқимоқ, тўқиб орасига гул солмоқ; ~ **си́нюю нить** ҳаво ранг ип қўшиб тўқимоқ.

ВОТКНУ́ТЬ *сов. (несов.* **втыка́ть**) *что* тиқмоқ, суқмоқ, санчмоқ; қадамоқ; ~ **игóлку в ткань** нинани газламага санчмоқ; ~ **кол в зе́млю** қозиқни ерга суқмоқ.

ВОТКНУ́/ТЬСЯ *сов. (несов.* **втыка́ться**) тиқилмоқ, суқилмоқ, санчилмоқ, қадалмоқ; **копьё ~лось в зе́млю** найза ерга санчилди.

ВО́ТУМ *м* вотум (овоз бериб, қўл кўтариб қабул қилиш, тасдиқлаш); ✦ ~ **дове́рия** ишонч билдириш; ~ **недове́рия** ишончсизлик билдириш.

ВО́ТЧИНА *ж ист.* вотчина, отамерос мулк (12—18-асрларда Россияда).

ВО́ТЧИННИК *м ист.* отамерос мулк эгаси, меросхўр.

ВО́ТЧИННЫ/Й, -ая, -ое *ист.* вотчинага оид; отамерос бўлиб қолган; отамерос...; ~**е зе́мли** вотчина (отамерос) ерлар.

ВОТЩЕ́ *нареч. книжн. уст.* бекор, беҳуда.

ВОТЯКИ́ *мн. (ед.* **вотя́к** *м,* **вотя́чка** *ж*) вотяклар (удмуртларнинг эски номи).

ВОЦАРИ́/ТЬСЯ *сов. (несов.* **воцаря́ться**) 1 *уст.* подшо бўлмоқ; тахтга ўтирмоқ (минмоқ); 2 *перен.* ўрнашмоқ, ҳукм сурмоқ, босмоқ, чўкмоқ; ~**лось молча́ние** жимжитлик чўкди.

ВОЦАРЯ́ТЬСЯ *несов. см.* **воцари́ться.**

ВОШЬ *ж, р.* **вши,** *твор.* **во́шью,** *мн.* **вши,** *р.* **вшей** бит; ✦ **расти́тельная** ~ ўсимлик бити, шира.

ВОЩА́НКА *ж* мумланган газлама (ёки қоғоз).

ВОЩА́НОЙ, -а́я, -о́е мумдан қилинган; мумли, мум...

ВОЩЁ́Н/ЫЙ, -ая, -ое мумланган, мум сурилган (суркалган); ~**ая бума́га** мумланган қоғоз.

ВОЩИ́НА *ж* 1 мум катак (асалари уясида); 2 хом (тозаланмаган) мум.

ВОЩИ́ТЬ *несов. (сов.* **навощи́ть**) *что* мумламоқ, мум суртмоқ, мум сингдирмоқ, мумлаб ялтиратмоқ; ~ **бума́гу** қоғозни мумламоқ; ~ **пол** полни мум суртиб ишқалаб ялтиратмоқ.

ВОЯ́Ж *м ист.* саёҳат, сафар.

ВОЯЖЁ́Р *м ист.* 1 саёҳатчи; 2 *то же, что* **коммивояжёр.**

ВОЯ́КА *м* 1 *ист.* тажрибали жангчи; кўпни кўрган аскар; 2 *разг. шутл. и ирон.* уришқоқ одам, жанггари.

ВПАДА́/ТЬ *несов.* 1 *см.* **впасть;** 2 *во что* қуйилмоқ; **Сыр-Дарья́ ~ет в Ара́льское мо́ре** Сирдарё Орол денгизига қуйилади.

ВПАДЕ́НИ/Е *с* 1 қуйилиш (дарё ҳақида); 2 дарёнинг қуйилиш жойи, мансаб; **при ~и Оки́ в Во́лгу** Ока дарёсининг Волгага қуйилиш жойида.

ВПА́ДИНА *ж* чўнқир ер ичига ботган (кирган) жой, чуқурча, чуқур; камгак; ✦ **глазна́я** ~ кўз косаси (чаноғи).

ВПА́ИВА́ТЬ *несов. см.* **впая́ть.**

ВПА́ЙКА *ж* 1 *по гл.* **впая́ть;** 2 кавшарлаб ёпиштирилган нарса.

ВПА́Л/ЫЙ, -ая, -ое ботиқ, чўкик, ичига ботиб (кириб) кетган, киртайган; ~**ые щёки** ичига кириб кетган юз; ~**ая грудь** ботиқ кўкрак.

ВПАРХИВА́ТЬ *несов. см.* **впорхну́ть.**

ВПАСТЬ, впаду́, -дёшь *сов. (несов.* **впада́ть**) 1 ботмоқ, чўкмоқ, киртаймоқ; ботиб (чўкиб) кетмоқ; киртайиб қолмоқ; **щёки впа́ли** юзи ичига ботиб кетибди; 2 *перен. во что* бирор ҳолатга келмоқ, тушмоқ; ~ **в отча́яние** умидсизликка тушмоқ; 3 *перен. во что* ботмоқ, тоймоқ, йўлиқмоқ; ~ **в идеали́зм** идеализмга ботмоқ; ~ **в де́тство** болалиги тутмоқ; ёш боладай бўлиб қолмоқ; ~ **в неми́лость** газабга йўлиқмоқ; ~ **в противоре́чие** ўз-ўзига қарама-қарши сўзламоқ; ўзига-ўзи хилоф келмоқ.

ВПА́ЯТЬ *сов. (несов.* **впа́ивать**) *что* кавшарлаб (қалайлаб) ичига, орасига ёпиштирмоқ, уламоқ, бириктирмоқ.

ВПЕРВО́Й *нареч. прост. и обл.* биринчи марта.

ВПЕРВЫ́Е *нареч* биринчи марта (дафъа), илк бор; ~ **в жи́зни** умрида биринчи марта.

ВПЕРЕБИ́БКУ *нареч. разг.* бири қўйиб, бири олиб; орасига суқилиб, талашиб, гапини бўлиб.

ВПЕРЕБО́Й *нареч. разг.* бир-бирига гап бермай; бир-бирига гал бермай, чуғурлашиб, чуғур-чуғур.

ВПЕРЕВА́ЛКУ *нареч. разг.* лапанглаб, тебраниб, ташлаб; **ходи́ть** ~ лапанглаб юрмоқ; ташлаб юрмоқ.

ВПЕРЕГИБ *нареч. разг.* букчайиб, эгилиб, икки букилиб.

ВПЕРЕГО́НКИ и **ВПЕРЕГОНКИ** *нареч. разг.* ким ўзарга, қувалашиб.

ВПЕРЕГО́НКУ *нареч. разг. то же, что* **вперегонки.**

ВПЕРЁД *нареч.* 1 олдинга қараб, олдинга, олға, илгари; **идти́** ~ олға бормоқ (юрмоқ); **дви́гать нау́ку** ~ фанни олға сурмоқ; 2 *разг.* бундан буён, бундан кейин; ~ **будь осторо́жнее** бундан кейин эҳтиёт бўл; 3 *разг.* олдин, аввал; илгарироқ; олдиндан, барвақт; **взять пла́ту** ~ ҳақини олдиндан олмоқ; **4** *в знач. предлога с р. уст.* и *прост.* олдига, олдинга; олдинда; **пройти́** ~ *кого-л.* кимсадан олдинга ўтмоқ; **пропусти́ть ~ себя́** ўзидан олдинга ўтказмоқ; 5 *в знач. межд.* олға!; **~, к побе́де коммуни́зма!** коммунизм ғалабаси сари олға!; **~, за мно́й!** орқамдан олға!; 6 *разг.* илгарилаб, ўтиб; **часы́ ушли́** ~ соат илгарилаб кетибди; ✦ **взад и ~** орқага ва олдинга; **ни взад ни ~** на орқага, на олдинга.

ВПЕРЕДИ́ 1 *нареч.* олдида, олдинда; **идти́** ~ олдида (олдинда) бормоқ; ~ **простира́лся лес** олдинда ўрмон чўзилиб кетган эди; 2 *нареч.* келажакда, келгусида; **у него́ ещё вся жизнь** ~ унинг ҳали бутун ҳаёти олдинда; **мои́ часы́** ~ менинг соатим олдинда (илгарилаб кетибди); 3 *предлог с р.* олдида; ~ **колóнны шёл оркéстр** колоннанинг олдида оркестр борар эди; ~ **всех** ҳаммадан олдин(да).

ВПЕРЕДСМОТРЯ́ЩИЙ *м, р.* **-его** 1 *мор.* олдинга боқувчи (туман пайтида олдинга боқиб шароитни аниқлаб бориш учун белгиланган матрос); 2 олдинга боқувчи, келажакни кўрувчи.

ВПЕРЕКО́Р *нареч. уст.* и *прост.* қарши, хилоф равишда, зиддига, зид ўлароқ, ҳисоблашмасдан.

ВПЕРЕМЕ́ЖКУ *нареч.* галма-гал, оралатиб, навбатлашиб, ора-сира; **За столо́м размести́лись попа́рно, то есть мужчи́ны ~ с да́мами** (Салтыков-Щедрин) Стол атрофида оралатиб, яъни битта эркак, битта хотин жуфт-жуфт бўлиб ўтирдилар.

ВПЕРЕМЕ́ШКУ *нареч.* аралаш-қуралаш, аралашиб: **на столе́ бы́ли разбро́саны кра́сные карандаши́ ~ с си́ними** стол устида қизил ва кўк қаламлар аралаш-қуралаш ётарди.

ВПЕРЕ́ТЬ, вопру́, вопрёшь; впёр, -ла *сов. (несов.* **впира́ть**) *прост.* 1 *что* зўрлаб тиқмоқ, суқмоқ, тиқиштирмоқ; 2 *то же, что* **впере́ться.**

ВПЕРЕ́ТЬСЯ, вопру́сь, вопрёшься, впёрся, -лась *сов. (несов.* **впира́ться**) *прост.* зўрлаб кирмоқ, суқилмоқ, тиқилмоқ; суқилиб кириб олмоқ.

ВПЕРЕХВА́Т *нареч. прост.* 1 икки қўли билан ушлаб; чирмаб, чандиб; 2 олдини тўсиб, олдидан чиқиб.

ВПЕРИ́ТЬ *сов. (несов.* **вперя́ть**): ~**взор** *в кого-что* или *на кого-что* тикилиб қарамоқ, тикилмоқ.

ВПЕРИ́ТЬСЯ *сов. (несов.* **вперя́ться**) *в кого-что* тикилмоқ, тикилиб қарамоқ.

ВПЕРЯ́ТЬ *несов. см.* **впери́ть.**

ВПЕРЯ́ТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **впери́ться;** 2 *страд. от* **вперя́ть.**

ВПЕЧАТЛЕ́НИ/Е *с* 1 таассурот, хотирада қолган из, асар, нарса; ~**я де́тских лет** болаликдаги таассуротлар; болаликдан хотирада қолган нарсалар; 2 таассурот, таъсир; **находи́ться под ~ем** *чего-л.* бирор нарсанинг таъсири (таассуроти) остида бўлмоқ, мутаассир бўлмоқ; **си́льное ~е** зўр таассурот, 3 таассурот, фикр; **оста́вить благопри-**

www.ziyouz.com kutubxonasi

я́тное ~е яхши таассурот қолдирмоқ, яхши фикр туғдирмоқ.

ВПЕЧАТЛИ́ТЕЛЬНОСТЬ *ж* таъсирланувчанлик, таъсирчанлик, ҳассослик.

ВПЕЧАТЛИ́ТЕЛЬНЫЙ, -ая, -ое; -лен, -льна таъсирланувчан, тез таъсирланувчи, ҳассос.

ВПЕЧАТЛЯЕМОСТЬ *ж* зўр таъсир қолдириш, таъсирчанлик.

ВПЕЧАТЛЯ́ТЬ *несов.* таъсир (из) қолдирмоқ, таассурот туғдирмоқ.

ВПЕЧАТЛЯ́ЮЩ/ИЙ, -ая -ее 1 *прич. от* **впечатля́ть**; 2 таъсирли; зўр таассурот қолдирадиган (туғдирадиган); **~ее зре́лище** зўр таассурот қолдирадиган манзара, таъсирли манзара.

ВПИВА́ТЬ *несов. (сов.* **впить**) *что* шимиб олмоқ, шиммоқ, эммоқ, сингдирмоқ, қабул қилмоқ.

ВПИВА́ТЬСЯ *несов. см.* **впи́ться.**

ВПИРА́ТЬ *несов. см.* **впере́ть.**

ВПИРА́ТЬСЯ *несов. см.* **впере́ться.**

ВПИ́САННЫЙ, -ая, -ое 1 *прич. от* **вписа́ть**; 2 *в знач. прил. мат.* ички чизилган; **~ многоуго́льник** ички чизилган кўпбурчак.

ВПИСА́/ТЬ, -ишу́, -и́шешь *сов. (несов.* **впи́сывать**) *что* 1 орасига ёзмоқ, қўшиб қўймоқ, киритмоқ, тиркамоқ; **~ пропу́щенные слова́** тушиб қолган сўзларни ёзиб қўймоқ; 2 ёзиб қўймоқ, қайд қилмоқ; 3 *мат.* ичига чизмоқ; **~ треуго́льник в круг** айлана ичига учбурчак чизмоқ.

ВПИСА́/ТЬСЯ, -и́шется *сов. (несов.* **впи́сываться**) *во что* 1 мос тушмоқ, мос тушиб бутунлик ташкил қилмоқ; **но́вое зда́ние хорошо́ ~лось в архитекту́рный ансамбль** янги бино архитектура ансамблига мос тушибди; 2 *уст.* ёзилмоқ, қўшилмоқ.

ВПИ́СЫВАТЬ *несов. см.* **вписа́ть.**

ВПИ́СЫВАТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **вписа́ться**; 2 *страд. от* **впи́сывать.**

ВПИТА́ТЬ *сов. (несов.* **впи́тывать**) *что* 1 шимиб олмоқ, сингдирмоқ; 2 *перен.* ўзлаштирмоқ; сингдирмоқ; **~ в себя́ передовы́е иде́и** илғор ғояларни ўзлаштирмоқ.

ВПИТА/ТЬСЯ, -а́ется *сов. (несов.* **впи́тываться**) шимилмоқ, сингмоқ; **вода́ ~лась в зе́млю** сув ерга сингиб кетди.

ВПИТЬ, вопью́, вопьёшь *сов. см.* **впива́ть.**

ВПИ/ТЬСЯ, вопью́сь, вопьёшься *сов. (несов.* **впива́ться**) 1 ёпишиб олмоқ, ёпишиб олиб сўрмоқ; маҳкам тишлаб қолмоқ; **пия́вка ~ла́сь в но́гу** зулук оёққа ёпишиб олди; 2 маҳкам (ёпишиб олиб) ўпмоқ; сўриб ўпмоқ; 3 қадалмоқ, кирмоқ; санчилмоқ; кириб кетмоқ; **иго́лка ~ла́сь в па́лец** бармоққа игна кириб кетди; 4 *чем* маҳкам ушлаб (ёпишиб) олмоқ, ғиппа (хиппа) бўғмоқ, ушламоқ; **~ться ногтя́ми** *во что-л.* чанг солиб хиппа ушламоқ; **~ться зуба́ми** *во что-л.* қаттиқ тишлаб олмоқ, тишлаб хиппа бўғмоқ; 5 *перен. чем* қаттиқ тикилмоқ, тикилиб қарамоқ, кўз билан егудай бўлмоқ; **он ~лся в меня́ глаза́ми** у менга қаттиқ тикилиб қолди; у мени кўзи билан егудай бўлди.

ВПИХА́ТЬ *сов. (несов.* **впи́хивать**) *кого-что прост.* туртиб (итариб) киргизмоқ, зўрлаб тиқмоқ, суқмоқ, тиқиб ташламоқ, тиқиштирмоқ.

ВПИ́ХИВАТЬ *несов. см.* **впиха́ть.**

ВПИХНУ́ТЬ *сов. однокр. см.* **впиха́ть.**

ВПЛАВЬ *нареч.* сузиб; **переправи́ться ~** сузиб ўтмоқ; **пусти́ться ~** сузиб кетмоқ.

ВПЛЕ́СКИВАТЬ *несов. см.* **вплеснуть.**

ВПЛЕСНУ́ТЬ *сов. (несов.* **вплёскивать**) сачратиб сепмоқ, чайқатиб тўкмоқ.

ВПЛЕСТИ́, -ету́, -стёшь *сов. (несов.* **вплета́ть**) *что во что* қўшиб ўрмоқ; қўшиб тўқимоқ; **~ ле́нту в ко́су** лентани сочга қўшиб ўрмоқ.

ВПЛЕ́СТИСЬ *сов.* қўшиб ўрилмоқ, қўшиб тўқилмоқ.

ВПЛЕТА́ТЬ *несов. см.* **вплести́.**

ВПЛЕТА́ТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **вплести́сь**; 2 *страд. от* **вплета́ть.**

ВПЛОТНУ́Ю *нареч.* 1 зич қилиб, бир-бирига тақаб (ёпиштириб); зич, жипс, лиқ; **пло́щадь ~ была́ застро́ена подво́дами** майдон от-аравалар билан зич(лиқ), тўла эди; 2 ёнма-ён, бир-бирига тақалиб (ёпишиб); тақаб, сиқилиб, яқин; **сиде́ть ~** *с кем-л.* бирор киши билан ёнма-ён сиқилиб ўтирмоқ; **придви́нуть стол ~ к стене́** столни деворга тақаб қўймоқ; 3 *перен. разг.* яқиндан, бевосита, астойдил; **приня́ться** *за что-л.* ~ бирор нарсага (ишга) яқиндан киришмоқ.

ВПЛОТЬ *нареч.* 1 бир-бирига яқин, ёнма-ён, зич; 2 -гача, довур, қадар; **~ до утра́** эрталабгача; **промо́кло всё ~ до руба́шки** кўйлагигача ҳаммаси ивиб кетди.

ВПЛЫВА́ТЬ *несов. см.* **вплы́ть.**

ВПЛЫ/ТЬ, -выву́, -ывёшь *сов. (несов.* **вплыва́ть**) 1 сузиб кирмоқ; **ло́дка ~ла в камы́ш** қайиқ қамишлар ичига (орасига) сузиб кирди (кириб кетди); 2 *перен.* секин кирмоқ, оҳиста (сездирмай) кириб олмоқ.

ВПОВА́ЛКУ *нареч. разг.* юмалаб, юмалашиб, думалаб-сумалаб; **спать ~** юмалашиб ётмоқ (ухламоқ).

ВПОЛГЛА́ЗА *нареч. прост.* 1 кўз қири билан, кўзни қисиб; сал-пал; **смотре́ть ~** кўз қири билан қарамоқ, кўз қирини ташламоқ, 2 хавотирлик билан, сергак (огоҳ) бўлиб; **спать ~** хавотирлик билан ухламоқ.

ВПОЛГО́ЛОСА *нареч.* пичирлаб, шивирлаб, паст овоз билан; **петь ~** паст овоз билан ашула айтмоқ, хиргойи қилмоқ.

ВПОЛЗА́ТЬ *несов. см.* **вползти́.**

ВПОЛЗТИ́, -зу́, -зёшь *сов. (несов.* **вполза́ть**) 1 ўрмалаб (эмаклаб) кирмоқ; 2 ўрмалаб (эмаклаб, тирмашиб) чиқмоқ, аранг чиқмоқ.

ВПОЛНАКА́ЛА *нареч.* 1 ярим чўғланишда, нимранг бўлиб, паст; **ла́мпочка гори́т ~** лампочка ярим чўғланишда (нимранг бўлиб) ёнмоқда; 2 *перен.* ярим куч билан, бор кучни (имкониятни) ишга солмай, кучни аяб; **рабо́тать ~** кучни аяб ишламоқ.

ВПОЛНЕ́ *нареч.* бутунлай, тамоман, тўла, бемалол, етарлича; **я ~ согла́сен** мен тўла қўшиламан **я ~ дово́лен** мен тўла мамнунман; **э́того ~ хва́тит** бу бемалол етади.

ВПОЛОБО́РОТА *нареч.* ярим бурилган ҳолда, ярим ўгирилиб.

ВПОЛОВИ́НУ *нареч. уст.* и *разг.* 1 ярим, ярми, ярмиси; ними-нисби; **Штольц был не́мец то́лько ~, по отцу́...** (Гончаро́в) Штольц фақат ота тарафдан, ярим немис эди; 2 ярим баравар, ярмича; **~ коро́че** ярим баравар қисқа (ярмича келади); **~ ме́ньше** ярим баравар кам.

ВПОПА́Д *нареч. разг.* ўз ўрнида, ўз вақтида, ўрни (жўяси) билан, хонаси келганда; айни пайтида; **сказа́ть** *что-л.* ~ ўз ўрнида (айни пайтида) айтмоқ; **отве́тить ~** боплаб (ўринлатиб) жавоб бермоқ.

ВПОПЫ́ХАХ *нареч.* шошиб, шошилиб, шошиб қолиб, шошиб-пишиб; шошилинчда, шошилганидан; **~ забы́ть** *что-л.* шошилинчда бирор нарсани унутиб қўймоқ.

ВПО́РУ *нареч. разг.* 1 лоп-лойиқ, мос, ўлчагандай тўғри; **сапоги́ мне ~** этик менга лоп-лойиқ (ўлчагандай тўғри) келди; 2 *в знач. сказ.* фақат шундай қилишга тўғри келади (мумкин) ...дан бошқа чора (илож) йўқ; **мне ~ уе́хать домо́й** менга фақат уйга кетиш қолди; менга уйга кетишдан бошқа илож йўқ.

ВПОРХНУ́/ТЬ *сов. (несов.* **впа́рхивать**) 1 пириллаб (пир этиб) учиб кирмоқ; **ла́сточка ~ла в окно́** қалдирғоч пир этиб деразадан учиб кирди; 2 *перен.* тез (ғизиллаб, лип этиб) кирмоқ, пилдираб кириб келмоқ.

ВПОСЛЕ́ДСТВИИ *нареч.* кейин, кейинчалик, ниҳоясида, пировардида, оқибатида, натижада; **~ он сожале́л об э́том** кейинчалик у бунга афсусланди.

ВПОТЬМА́Х *нареч.* қоронғида, қоронғиликда; **сиде́ть ~** қоронғида ўтирмоқ.

ВПРАВДУ *нареч. разг.* чиндан, ростдан, чиндан (ростдан) ҳам, ҳақиқатан; рости билан; **я и ~ э́того не знал** мен ростдан ҳам буни билмаган (билмас) эдим.

ВПРАВЕ *нареч. в знач. сказ.* ҳақли, ҳақи бор; **он ~ тре́бовать** талаб қилишга унинг ҳақи бор; **он не ~ так поступа́ть** бундай қилишга унинг ҳақи йўқ.

ВПРАВИ́ТЬ, -влю, -вишь *сов. (несов.* **вправля́ть**) *что* 1 ўрнига туширмоқ, солмоқ; **~ вы́вихнутую ру́ку** чиққан қўлни ўрнига туширмоқ (солмоқ); 2 *разг.* ўрнига туширмоқ (жойламоқ); ичига тиқмоқ, тиқиб қўймоқ; ✦ **~ мозги́** *кому прост.* ақл-ҳушини ўрнига тушириб қўймоқ, эс-ҳушини киргизмоқ.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ВПРАВЛЯТЬ *несов. см.* **вправить.**

ВПРАВО *нареч.* 1 ўнгга, ўнг томонга; **повернуть ~** ўнгга бурмоқ; 2 ўнгдан, ўнг томондан; **~ от нас** бизнинг ўнг томонимизда, биздан ўнг томонда.

ВПРЕДЬ *нареч.* келгусида, келажакда, бундан буён; энди, минбаъд; **~ будь внимательнее** бундан буён ҳушёр (зийрак) бўл; ✦ **~ до особого распоряжения** алоҳида буйруқ бўлмагунча.

ВПРЕССОВАТЬ, -сую, -суешь *сов. (несов.* **впрессовывать)** *что* пресслаб киргизмоқ (ўрнатмоқ), пресслаб қўймоқ; **~ втулку** втулкани пресслаб ўрнатмоқ.

ВПРЕССОВЫВАТЬ *несов. см.* **впрессовать.**

ВПРИГЛЯДКУ *нареч. прост. шутл.:* **пить ~** қандсиз ичмоқ (чой, кофе ва ш. к. ни).

ВПРИКУСКУ *нареч. разг.:* **пить чай ~** қанд тишлаб чой ичмоқ.

ВПРИПРЫЖКУ *нареч.* сакраб-сакраб, ҳаккалаб; **бежать ~** ҳаккалаб чопмоқ.

ВПРИСКОЧКУ *нареч. прост.* сакраб-сакраб, дикканглаб.

ВПРИСЯДКУ *нареч.* галма-гал тизларни букиб, чўққайиб; **пуститься ~** галма-гал тизларни букиб (чўққайиб) рақсга тушиб кетмоқ.

ВПРИТИРКУ *нареч. разг.* ёнма-ён, бир-бирига ёпишиб (ёпиштириб); **стоять ~** ёнма-ён (бир-бирига ёпишиб) турмоқ.

ВПРИТЫК *нареч.* яқин, ёнма-ён; бир-бирига тақаб (тақалиб); **поставить столы ~** столларни бир-бирига тақаб қўймоқ.

ВПРОГОЛОДЬ *нареч.* тўяр-тўймас, очин-тўқин; **жить ~** очин-тўқин яшамоқ; **питаться ~** тўйиб-тўймай овқатланмоқ, чалақорин бўлмоқ.

ВПРОК *нареч.* 1 ғамлаб, кўп қилиб; керагида фойдаланиш учун; **заготовить ~** ғамлаб қўймоқ; 2 *в знач. сказ.* фойда келтиради, наф қилади, фойдали; **богатому всё ~** *посл.* бойга ҳамма нарса наф қилаверади; ✦ **идти ~** фойда бермоқ, наф қилмоқ; **это не пошло ему ~** бу унга фойда бермади (наф, манфаат келтирмади); бу унга кор қилмади.

ВПРОСАК *нареч. разг.:* **попасться ~** панд емоқ; ноқулай (ўнғайсиз) аҳволга тушмоқ; шошилиб (ёки ўйламасдан, билмасдан иш қилиб) доғда қолмоқ (қўлга тушмоқ).

ВПРОСОНКАХ *нареч. разг.* уйқусираб, уйқусида довдираб, уйқу аралаш.

ВПРОЧЕМ *союз* 1 лекин, аммо, бироқ; шундай бўлса ҳам; **сделано хорошо, ~ не всё** яхши қилинган, лекин ҳаммаси эмас; 2 *в знач. вводн. сл.* яхшиси, қолаверса, яна; **~, я не знаю, лучше подумай сам** қолаверса мен билмайман, яхшиси (яна) ўзинг ўйлаб кўр; **я бы не посоветовал. Впрочем, как хочешь** мен маслаҳат бермайман. Яна ўзинг биласан.

ВПРЫГИВАТЬ *несов. см.* **впрыгнуть.**

ВПРЫГНУТЬ *сов. (несов.* **впрыгивать)** 1 сакраб (ичига) тушмоқ (тушиб олмоқ); **~ через окно** (уйга) ойнадан сакраб тушмоқ; 2 ирғиб чиқмоқ; сакраб чиқиб олмоқ; **~ на подножку трамвая** трамвай зинасига сакраб чиқиб олмоқ.

ВПРЫСКИВАНИЕ *с* 1 *по гл.* **впрыскивать; подкожное ~** тери остига дори юбориш; 2 *разг.* томирга (ёки тери остига) юбориладиган дори.

ВПРЫСКИВАТЬ *несов. см.* **впрыснуть.**

ВПРЫСНУТЬ *сов. (несов.* **впрыскивать)** *что* укол қилиб юбормоқ, қуймоқ; **~ камфору (камфару)** камфара юбормоқ (қуймоқ), камфарадан укол қилмоқ.

ВПРЯГАТЬ *несов. см.* **впрячь.**

ВПРЯГАТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **впрячься;** 2 *страд. от* **впрягать.**

ВПРЯДАТЬ *несов. см.* **впрясть.**

ВПРЯМЬ *частица разг.* чиндан (ростдан) ҳам, дарҳақиқат, ҳақиқатан; астойдил, беҳазил; **он ~ обиделся** у астойдил (чиндан ҳам) хафа бўлди; **и ~ ~** ҳақиқатан ҳам; **и ~ он прав** ҳақиқатан ҳам у ҳақ(ли).

ВПРЯСТЬ, -ядý, -ядёшь *сов. (несов.* **впрядать)** *что* қўшиб (аралаштириб) йигирмоқ; бирга (бир қилиб) эшмоқ; **~ шёлк в шерсть** ипак билан юнгни қўшиб йигирмоқ.

ВПРЯЧЬ, -ягý, -яжёшь; -яг, яглá *сов. (несов.* **впрягáть)** *кого во что* қўшмоқ (аравага, қўшга ва ҳ. к.); **~ лóшадь в повóзку** отни аравага қўшмоқ.

ВПРЯЧЬСЯ, -ягýсь, -яжёшься; -ягся, -яглáсь *сов. (несов.* **впрягáться)** *во что* қўшилмоқ (аравага, қўшга ва ҳ. к.); ✦ **~ в рабóту** (или **в дéло**) ишга бел боғлаб киришмоқ.

ВПУСК *м по гл.* **впускáть; ~ зрúтелей в зал** томошабинларни залга киритиш (қўйиш); **~ воды́ в водохранúлище** сув омборига сув қўйиш.

ВПУСКАНИЕ *с по гл.* **впускáть.**

ВПУСКАТЬ *несов. см.* **впустúть.**

ВПУСКНÓЙ, -áя, -óе 1 одам қўйиладиган, киритиладиган, киргизиладиган; **~й день в больни́це** касалхонада (беморларни кўришга) одам қўйиладиган кун; 2 *тех.* киритиш учун хизмат қиладиган; киритиш...; **~й клáпан** киритиш клапани; **~е отвéрстие** киритиш тешиги.

ВПУСТИ́ТЬ, впущý, впýстишь *сов. (несов.* **впускáть)** 1 *кого-что* киритмоқ, киргизмоқ; қўймоқ; **~ в помещéние** ичкарига қўймоқ; **~ пар в трýбы** трубаларга буғ қўймоқ (юбормоқ); 2 *что* қуймоқ, томизмоқ; **~ кáпли в нос** бурнига дори томизмоқ; 3 *что* санчмоқ, суқмоқ, тиқмоқ; **~ жáло** ништар (найза) санчмоқ.

ВПУСТУ́Ю *нареч. разг.* бекор, бефойда, беҳуда; бекорга, беҳудага; натижасиз; **стара́ться ~** бефойда ҳаракат қилмоқ; беҳуда уринмоқ.

ВПУ́ТАТЬ *сов. (несов.* **впýтывать)** 1 *что* чалкаштирмоқ, чувалаштирмоқ; 2 *перен. кого-что разг.* аралаштирмоқ, қотиштирмоқ, тортмоқ; **~ в дéло** бирор ишга аралаштирмоқ.

ВПУТАТЬСЯ *сов. (несов.* **впýтываться)** 1 чалкашмоқ, чувалашмоқ; 2 *перен. разг.* аралашмоқ, қотишмоқ, қўшилмоқ; аралашиб қолмоқ; **~ в неприя́тную исто́рию** нохуш воқеага (ишга) аралашиб қолмоқ.

ВПУТЫВАТЬ *несов. см.* **впýтать.**

ВПУТЫВАТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **впýтаться;** 2 *страд. от* **впýтывать.**

ВПЯТЕРО *нареч.* беш карра, беш марта; беш; **увели́чить ~** беш марта катталаштирмоқ (кўпайтирмоқ); **уплати́ть ~ доро́же** беш марта қиммат тўламоқ; **сложи́ть ~** беш букламоқ.

ВПЯТЕРÓМ *нареч.* бешовлаб, беш кишилашиб, беш киши (бешовлон) бўлиб; **мы гуля́ли ~** биз бешовлон сайр қилардик.

В-ПЯТЫХ *вводн. сл.* бешинчидан.

ВРАГ *м, р.* **-á** 1 душман, ёв, ағёр, ғаним; **друзья́ и ~и́** дўстлар ва душманлар; **кла́ссовый ~** синфий душман; **разби́ть ~á** душманни тор-мор қилмоқ; 2 душман, зарарли нарса; зараркунанда; **куре́ние — ~ здоро́вья** чекиш — соғлиқнинг душмани (соғлиқ учун зарар); **язы́к мой — ~ мой** *посл.* менинг тилим — душманим; тил югуриги бошга; 3 *чего* душман, қарши (чиқувчи, курашувчи); **он ~ спиртны́х напи́тков** у спиртли ичимликлар душмани; у спиртли ичимликларга қарши; 4 *уст.* шайтон, иблис; **~ попу́тал** шайтон йўлдан урди (оздирди).

ВРАЖД/А *ж* душманлик, ёвгарчилик, зидлик, адоват, хусумат; **пита́ть ~у́** *к кому-л.* бировга нисбатан адоват сақламоқ (адоватда бўлмоқ).

ВРАЖДЕ́БНО *нареч.* душманларча, душманлик билан; **~ относи́ться** *к кому-л.* бировга душманларча муносабатда бўлмоқ.

ВРАЖДЕ́БНОСТЬ *ж* душманлик, ёвгарчилик, олалик, зидлик, адоват.

ВРАЖДЕ́БН/ЫЙ, -ая, -ое; -бен, -бна душманлик (душманчилик) руҳидаги, душманлик руҳи билан суғорилган, зид, ола, адоватли; душманларча; душман..., ёв...; **~ые отноше́ния** душманлик муносабатлари; душманларча муносабатлар; **~ая сторона́** душман томон.

ВРАЖДОВАТЬ, -дýю, -дýешь *несов. с кем-чем* душман бўлмоқ; душманлик қилмоқ, адоват сақламоқ; **~ друг с дру́гом** бир-бирига душман бўлмоқ.

ВРА́ЖЕСК/ИЙ, -ая, -ое душманга (ёвга) оид; душман..., ёв...; **~ая а́рмия** душман армияси; **~ий стан** душман қароргоҳи.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ВРАЖИЙ, -ья, -ье 1 *нар.-поэт. то же, что* **вра́жеский**; 2 *уст.* иблисона; иблис..., шайтон...

ВРАЗ *нареч. прост.* 1 бир йўла, бир варакай, бир галда, баравар; 2 шу заҳоти, бир онда, дарҳол.

ВРАЗБИВКУ *нареч. разг.* бўлиб-бўлиб, айрим-айрим, ҳар қаердан; **спра́шивать** *что-л.* ~ бирор нарсани ҳар қаеридан сўрамоқ.

ВРАЗБРО́Д *нареч. разг.* 1 сочилиб, тарқалиб, пароканда бўлиб; **идти́** ~ сочилиб бормоқ, сочилиб юрмоқ; 2 ноиттифоқлик билан, айрим-айрим, ҳар ким ўз бошига (ҳолига); ҳар ким ўзича; **де́йствовать** ~ ҳар ким ўзича (ўз ҳолига, айрим-айрим) ҳаракат қилмоқ.

ВРАЗБРО́С *нареч.* 1 сочиб, сепиб; **се́ять** ~ сочиб экмоқ, сепмоқ; 2 *разг.* сочилиб, тарқалиб; пароканда; у ер-бу ерда; **ве́щи лежа́ли** ~ нарсалар сочилиб (у ер-бу ерда) ётарди.

ВРАЗВА́ЛКУ *нареч. разг.* лапанглаб; **ходи́ть** ~ лапанглаб юрмоқ.

ВРАЗЛА́Д *нареч. прост.* ноиттифоқлик билан, ноиттифоқликда, ноаҳил (бўлиб); **жить** ~ ноаҳил яшамоқ.

ВРАЗЛЁТ *нареч прост.* ҳар томонга учиб, сочилиб.

ВРАЗНОБО́Й *нареч. разг.* ҳар қайсиси ўз ҳолига, ҳар ким ҳар хил.

ВРАЗНОС *нареч. разг.* кўчама-кўча ташиб юриб; уй-уйига элтиб бериб; **торгова́ть** (или **продава́ть**) ~ кўчама-кўча ташиб юриб сотмоқ; уй-уйига элтиб бериб савдо қилмоқ.

ВРАЗРЕ́З *нареч.*: **идти́** ~ *с чем* қарши бормоқ, зиддига иш тутмоқ, қаршисини (аксини) қилмоқ.

ВРАЗРЯ́ДКУ *нареч. полигр.* орасини очиқ-очиқ қилиб, сийраклатиб; **набра́ть текст** ~ текстнинг орасини очиқ-очиқ қилиб термоқ.

ВРАЗУМИ́ТЕЛЬНО *нареч.* аниқ, равшан, тушунарли қилиб; **отве́тить** ~ тушунарли қилиб жавоб бермоқ.

ВРАЗУМИ́ТЕЛЬНОСТЬ *ж* аниқлик, равшанлик, тушунарлилик.

ВРАЗУМИ́ТЕЛЬНЫЙ, -ая, -ое; -лен, -льна аниқ, равшан, тушунарли; ~ **отве́т** аниқ жавоб; тушунарли жавоб.

ВРАЗУМИ́ТЬ, -млю́, -ми́шь *сов. (несов.* **вразумля́ть**) *кого* англатмоқ, тушунтирмоқ, уқтирмоқ; тушунтириб қўймоқ, онгига етказмоқ; **на́до его́** ~ унга тушунтириш керак.

ВРАЗУМЛЕ́НИЕ *с* англатиш, тушунтириш, уқтириш; тушунтириб қўйиш, онгига етказиш.

ВРАЗУМЛЯ́ТЬ *несов. см.* **вразуми́ть**.

ВРАКИ *мн. прост.* ёлғон-яшиқ (беҳуда) гаплар; ёлғон-яшиқ, уйдирма; **всё э́то** ~ буларнинг ҳаммаси ёлғон гаплар; буларнинг ҳаммаси уйдирма.

ВРА́ЛЬ *м, р.* **-ля́** *разг.* ёлғончи, алдамчи, уйдирмачи.

ВРАНЬ/Ё *с разг.* 1 *по гл.* **врать**; 2 ёлғон, ёлғон-яшиқ, уйдирма.

ВРАСКА́ЧКУ *нареч. разг.* лапанглаб, чайқалиб, тебраниб.

ВРАСПЛО́Х *нареч.* қўққисдан, тўсатдан, беҳосдан, ғафлатда қолдириб; **заста́ть** ~ беҳосдан бостириб келиб қолмоқ; **напа́сть** ~ ғафлатда қолдириб ҳужум қилмоқ.

ВРАССЫПНУ́Ю *нареч.* сочилиб, тарқалиб, пароканда (тумтарақай) бўлиб; **бро́ситься** ~ тумтарақай бўлиб қочмоқ.

ВРАСТА́НИЕ *с по гл.* **врастать**.

ВРАСТА́ТЬ *несов. см.* **врасти́**.

ВРАСТИ́, -тёт; врос, -ла́ 1 ичига (орасига) қараб ўсмоқ, ўсиб ичига (орасига) кириб кетмоқ; **но́готь врос в те́ло** тирноқ ўсиб, этнинг орасига кириб кетибди; 2 ўтирмоқ, чўкмоқ, ботмоқ, ботиб кетмоқ; ўтириб (ўрнашиб) қолмоқ; **дом, вро́сший в зе́млю** ерга ўтириб (чўкиб) ўрнашиб қолган уй.

ВРАСТЯ́ЖКУ *нареч. разг.* 1 чўзилиб, узала тушиб, оёқларини узатиб, ястаниб, чалқанчасига; **лежа́ть** ~ чўзилиб (узала тушиб) ётмоқ; 2 чўзиб, салмоқлаб; **говори́ть** ~ чўзиб (салмоқлаб) гапирмоқ.

ВРАТА́ *мн. уст. книжн. то же, что* **воро́та** 1.

ВРАТА́РЬ *м, р.* **-ря́** *спорт.* дарбозабон; ~ **кома́нды** команда дарбозабони.

ВРАТЬ, вру, врёшь *несов. что* и *без доп. разг.* 1 *(со в* **напра́ть** и **совра́ть**) ёлғон гапирмоқ (айтмоқ), ёлғонламоқ, алдамоқ; **ври, ври, да не завира́йся** ёлғон гапир-у, лекин олиб қочма, ёлғончилик ҳам эвида-да; 2 *(сов.* **напра́ть и совра́ть**) нотўғри кўрсатмоқ; алдамоқ; **часы́ врут** соат нотўғри кўрсатяпти (юряпти); 3 ғалат (нотўғри) айтмоқ (куйламоқ, чалмоқ); 4 *уст.* валдирамоқ, алжимоқ; ~ **без у́молку** тўхтовсиз валдирамоқ.

ВРАЧ *м, р.* **-а́** врач, доктор; **райо́нный** ~ район врачи; **зубно́й** ~ тиш доктори; **ветерина́рный** ~ мол доктори; **вы́звать** ~а́ врач (доктор) чақирмоқ; ✦ **враче́ву, исцели́ся сам!** иштонсиз тизи йиртиққа кулар.

ВРАЧЕБН/ЫЙ, -ая, -ое врачларга ва врачликка оид; врач(лар)...; врачлик...; тиббий, медицина...; ~**ая пра́ктика** врачлик тажрибаси; ~**ая по́мощь** тиббий ёрдам; ~**ый осмо́тр** врачлар кўриги, медицина назорати.

ВРАЧЕВА́НИЕ *с по гл.* **врачева́ть**.

ВРАЧЕВА́ТЬ, -чу́ю, -чу́ешь *несов. кого-что* 1 врачлик қилмоқ; даволамоқ, ~ **боле́зни** касалларни даволамоқ; 2 *перен.* даволамоқ, шифо бермоқ, даво бўлмоқ.

ВРАЧИ́ХА *ж прост.* аёл врач.

ВРАЩАТЕЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое 1 айланадиган, айланма; ~**ое движе́ние** айланма ҳаракат; 2 айлантирувчи; ~**ая эне́ргия** айлантирувчи энергия.

ВРАЩА́ТЬ *несов. что* и *чем* айлантирмоқ, бурамоқ; ~ **колесо́** ғилдиракни айлантирмоқ; ✦ ~ **глаза́ми** (или **белка́ми**) кўзларини ола-кула қилмоқ.

ВРАЩА́/ТЬСЯ *несов.* 1 айланмоқ; **Земля́ ~ется вокру́г Со́лнца** Ер Қуёш атрофида айланади; 2 *перен.* айланишмоқ; аралашиб (ўралашиб) юрмоқ; ~**ться среди́ молоде́жи** ёшлар ўртасида ўралашмоқ; ёшларга аралашиб юрмоқ; 3 *страд. от* **враща́ть**.

ВРАЩЕ́НИЕ *с по гл.* **враща́ть и враща́ться** 1; ~ **колеса́** ғилдиракнинг айланиши; ~ **Земли́** Ернинг айланиши; ~ **вокру́г оси́** ўз ўқи атрофида айланиши.

ВРЕД *м, р.* **-а́** зарар, зиён; **без ~а́** зарар етказмай, безиён; **причини́ть** ~ *кому-чему-л.* зарар етказмоқ; зарба бермоқ; **во** ~ *кому-чему-л.* зиёнига; зиён қилади; **э́то вам во** ~ бу сизга зарар етказади, бу сизга (сиз учун) зарар.

ВРЕДИ́ТЕЛ/Ь *м* 1 зараркунанда; кушанда; ~ **и хлопча́тника** пахта зараркунандалари; 2 зараркунанда, диверсант; **уничто́жить** ~**ей** зараркунандаларни (диверсантларни) йўқ қилмоқ.

ВРЕДИ́ТЕЛЬСК/ИЙ, -ая, -ое зараркунандаларга ва зараркунандаликка оид; зараркунандаликдан (диверсиядан) иборат бўлган; диверсион; зараркунандалик...; зараркунанда(лар)...; ~**ая гру́ппа** зараркунандалар группаси; ~**ая де́ятельность** зараркунандалик (фаолияти), диверсия.

ВРЕДИ́ТЕЛЬСТВО *с* зараркунандалик, диверсия.

ВРЕДИ́Т/Ь, -ежу́, -еди́шь *несов. (сов.* **повреди́ть**) *кому-чему* зарар (зиён) етказмоқ, зарар келтирмоқ, зиён қилмоқ; ~**ь де́лу** ишга зарар етказмоқ; ~**ь друг дру́гу** бир-бирига зарар етказмоқ; **алкоголи́зм** ~ **здоро́вью** ичкиликбозлик соғлиққа зарар етказади.

ВРЕ́ДНО 1 *нареч.* зиён етказиб, ёмон, зарарли; ~ **отрази́ться** *на чем-л.* ёмон (зарарли) таъсир кўрсатмоқ; 2 *в знач. сказ.* зарар келтиради, зарарли, зиён; **э́то** ~ **для здоро́вья** бу соғлиққа (соғлиқ учун) зарарли; бу соғлиққа зиён келтиради.

ВРЕ́ДНОСТ/Ь *ж* 1 зараарлилик, знёнлилик; зарар, зиён; ~**ь куре́ния** чекишнинг зарари (зараарлилиги); 2 иш шароитининг зараарлилиги; **дополни́тельный о́тпуск по** ~**и** ишлаб чиқариш шароитининг зараарлилиги учун бериладиган қўшимча отпуска.

ВРЕ́ДН/ЫЙ, -ая, -ое; -ден, -дна 1 зарар (зиён) қиладиган, зарарли, зиёнли, ёмон; ~**ые га́зы** зарарли газлар; ~**ая тео́рия** зарарли назария; ~**ая привы́чка** ёмон одат; **Ваш приме́р вре́ден для Ната́ши** (М. Горький) Сиз кўрсатаётган намуна Наташа учун зарарли; 2 *прост.* ёмоч, баттол; ~**ый челове́к** ёмон (баттол) одам.

ВРЕДОНО́СНЫЙ, -ая, -ое; -сен, -сна зарар келтира оладиган, зарарли; кони (кофар) зарар, ғирт зарарли.

ВРЕЗА́ТЬ, вре́жу, вре́жешь *сов. (несов.* **врезать и вре́зывать**) 1 *что во что* ўйиб ўрнатмоқ; ~ **замо́к в дверь** қулфни эшикка ўйиб ўрнатмоқ; ~ **металли́ческую пласти́нку в ка́менную плиту́** тош плитага металл пластинкани ўйиб

www.ziyouz.com kutubxonasi

ўрнатмоқ; 2 *перен.* миясига қуйиб қўймоқ, кўнглига жо қилмоқ; 3 *перен. прост.* айлантириб солмоқ, туширмоқ.

ВРЕЗА́ТЬ *несов. см.* **вре́зать.**

ВРЕ́ЗА/ТЬСЯ, вре́жусь, вре́жешься *сов.* 1 *(несов.* **врезáться** и **врéзываться**) *во что* ўйиб (ёриб) кириб урилмоқ; **ло́дка ~лась в бе́рег** қайиқ қирғоққа урилди; 2 *(несов.* **врезáться**) *перен. во что* ёриб кирмоқ; **ко́нница ~лась в неприя́тельские ря́ды** отлиқ аскарлар душман қаторини (сафларига) ёриб кирди; 3 *(несов.* **врезáться**) *перен. во что* абадий эсда (хотирада) қолмоқ, кўнгилда жо бўлмоқ; **~ться в пáмять** абадий эсда қолмоқ; 4 *перен. в кого прост.* ошиқ (шайдо) бўлиб қолмоқ, юрагидан урмоқ.

ВРЕЗА/ТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **вре́заться** 1—3; **в бу́хту ~ется о́стрый мыс** ўткир бурун кўрфаз ичига ёриб кирган; 2 *страд. от* **врезáть** 1.

ВРЕЗНО́Й, -а́я, -о́е ўйиб ўрнатилган (ёки ўрнатиладиган), ўйма; **~ замо́к** ўймз қулф.

ВРЕ́ЗЫВАТЬ *несов. см.* **вре́зать.**

ВРЕ́ЗЫВАТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **вре́заться** 1—3; 2 *страд. от* **вре́зывать** 1.

ВРЕМЕНА́МИ *нареч.* вақти-вақти билан, гоҳ-гоҳ, гоҳида, баъзан.

ВРЕМЕНИ́ТЬ *несов. уст.* чўзмоқ, орқага судрамоқ, пайсалга солмоқ.

ВРЕ́МЕННО *нареч.* вақтинча, муваққат; **~ исполня́ющий обя́занности дире́ктора** директорлик вазифасини вақтинча бажарувчи.

ВРЕМЕ́ННЫЙ, -а́я, -о́е *филос. грам.* вақтга (замонга) боғлиқ бўлган; вақт (замон) билан белгиланадиган; вақт...; замон...; **~а́я катего́рия** *грам* замон категорияси; **~а́я зави́симость** *филос.* вақтга (вақт категориясига) боғлиқ (вақт билан белгиланадиган) муносабат.

ВРЕ́МЕННЫЙ, -ая, -ое: -нен, -нна 1 вақтли, вақтинчалик, муваққат; **~ая рабо́та** вақтинчалик иш; **~ая постро́йка** вақтинчалик (омонат) иморат; **~ое прави́тельство** муваққат ҳукумат; 2 ўткинчи, ўтиб кетадиган, фоний; **~ое явле́ние** ўткинчи (ўтиб кетадиган) ҳодиса.

ВРЕМЕНЩИ́К *м, р.* **-а́** вақтинчалик ҳоким, амалдор, бир соатли халифа.

ВРЕ́М/Я *с, р.* **-мени, *мн.*** **-мена́, *р.*** **-мён, *дат.*** **-мена́м** 1 *филос.* вақт, замон; **простра́нство и ~я** замон ва макон; 2 вақт, пайт, фурсат, дам, он; **~я прохо́дит** вақт ўтмоқда (ўтяпти, ўтиб кетяпти); **ско́лько ~ени?** соат неча?; **в назна́ченное ~я** айтилган (белгиланган) вақтда (пайтда); **в коро́ткое ~я** оз фурсат ичида, қисқа вақт давомида; **в любо́е ~я дня и но́чи** истаган вақтда, ҳар доим, ҳар вақт; **отре́зок ~ени** вақтнинг бир қисми; **ва́ше ~я истекло́** сизнинг вақтингиз тамом бўлди; **хорошо́ провести́ ~я** вақтни яхши ўтказмоқ; **он располага́ет доста́точным ~енем** унинг вақти кўп (етарли); **напра́сно тра́тить ~я** вақтни бекор кетказмоқ; **с како́го ~ени?** қайси вақтдан (қачондан) бери?; **до како́го ~ени?** қачонгача?; **с того́ ~ени, как...** ўша вақтдан бери; 3 вақт, пайт; кез; давр, мавсум; **рабо́чее ~я** иш вақти (соати); **вече́рнее ~я** кечки пайт; кечқурун; **дождли́вое ~я** ёғингарчилик вақти (мавсуми); **~я жа́твы** ўрим-йиғим вақти; **~ена́ го́да** йил фасллари; **на ~я о́тпуска** отпуска вақтига; **во ~я обе́да** тушки овқат вақтида; 4 вақт; **ташке́нтское ~я** Тошкент вақти; **де́вять часо́в по моско́вскому ~ени** Москва вақти билан соат тўққиз; 5 замон, давр; вақт; **в на́ше ~я** бизнинг давримизда (замонамизда); **в да́нное ~я, в настоя́щее ~я** ҳозирги вақтда (кунда); **в то ~я** у вақтларда; **не отставáть от ~ени** замондан орқада қолмаслик; **с да́внего ~ени** аллақачонлардан бери, илгариги вақтлардан, азалдан; 6 *грам.* замон; **настоя́щее ~я** ҳозирги замон; **бу́дущее ~я** келаси замон; **прошéдшее ~я** ўтган замон; ✦ **во ~я о́но** *уст.* қадимги замонда, илгариги вақтларда; **во все ~ена́** ҳамма вақт; **(в) пе́рвое ~я** аввал, бошда, бошида, даставвал; **(в) после́днее ~я** охирги (кейинги) пайтларда, сўнгги вақтларда; **в своё ~я** 1) ўз вақтида; 2) бир вақтлари; **в ско́ром ~ени** яқин вақт ичида, яқин фурсатда, яқинда; **до поры́ до ~ени** вақт-соати келгунча; **до сего́ ~ени** шу вақтгача, шу дамгача, ҳануз; **ко ~ени** айни вақтида, ўз пайтида; **на ~я** вақтинча; **со ~енем** вақт ўтиши билан, пайти келиб; **всё ~я** ҳар доим, доимо, ҳамиша; **ра́ньше ~ени** вақтдан илгари; **са́мое ~я** жуда вақти, айни пайти; **тем ~енем** шу орада (аснода); шу вақт ичида; **~я от ~ени** (или **от ~ени до ~ени, по ~ена́м**) вақти-вақти билан, ҳар замонда, ора-сира; **с тече́нием ~ени** бора-бора, вақт ўтиши билан.

ВРЕМЯИСЧИСЛЕ́НИЕ *с* йил ҳисоби, сана.

ВРЕМЯНК/А *ж, р. мн.* **-нок** *разг.* 1 кўчма нарвонча; 2 вақтинчалик (муваққат) уй; 3 вақтинчалик (муваққат) темир (чўян) печка; **Пря́мо посреди́ ха́ты в желе́зной ~е пыла́ли дрова́** (Закруткин) Хаганинг қоқ ўртасида муваққат темир печкада ялиғланиб ўтин ёнар эди.

ВРЕМЯПРЕПРОВОЖДЕ́НИЕ *с* вақт ўтказиш, вақт кечириш; **весёлое ~** вақтни қувноқ (вақтичоғлик билан) ўтказиш.

ВРЕМЯПРОВОЖДЕ́НИЕ *с то же, что* **времяпрепровожде́ние.**

ВРЕ́ТИЩЕ *с уст.* эски (йиртиқ-сиртиқ) кўйлак, абгор кийим, жулдур.

ВРО́ВЕНЬ *нареч. с чем* бир текис, тенг, баравар; лиммо-лим; **идти́ ~ *с кем л.*** баравар бормоқ, баравар қадам ташламоқ; **налúть ~ с края́ми** лиммо-лим (қилиб) тўлдирмоқ.

ВРО́ДЕ 1 *предлог с р.* ўхшаш, каби, сингари, шекилли, янглиғ; **лю́ди ~ тебя́** сенга ўхшаш одамлар; **не́что ~ э́того** шунга ўхшаш бир нарса; 2 *частица разг.* каби, ўхшаш; ўхшайди; **он ~ не в себе́** унинг кайфияти бузилганга (бузуққа) ўхшайди; ✦ **~ как...** или **~ бы...** *прост.* худди, гўё, ўхшаш, шекилли.

ВРОЖДЕ́ННОСТЬ *ж* туғмалик, табиийлик.

ВРОЖДЕ́ННЫ/Й, -ая, -ое туғма, табиий; зотида бор; **~й тала́нт** туғма талант; **~й поро́к** туғма иллат (камчилик, нуқсон); **~е боле́зни** туғма касалликлар.

ВРО́ЗНЬ *нареч. уст. то же, что* **врозь.**

ВРОЗЬ *нареч.* 1 айрим, алоҳида, якка, бошқа-бошқа; **жить ~** бошқа-бошқа турмоқ, бошқа-бошқа яшамоқ; 2 тараф-тарафга, ҳар тарафга; турли томонга, **икки ёққа; ступни́ ~** оёқнинг учларини икки ёққа қилиб (яъни оёқларни жуфтламай); ✦ **~ идёт (пошло́ и т. п.)** *что* иш юришмаяпти (қовушмаяпти, ёпишмаяпти).

ВРУБ *м горн.* вруб (тоғ жинсини қўпориб тушириш учун қилинган ўйиқ, кесик).

ВРУБА́ТЬ *несов. см.* **врубúть.**

ВРУБА́ТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **врубúться;** 2 *страд. от* **врубáть.**

ВРУБИ́ТЬ, врублю́, вру́бишь *сов. (несов.* **врубáть**) *что* тешиб (ўйиб) киргизмоқ (ўрнатмоқ, қўймоқ); **~ замо́к в шкаф** қулфни шкафга ўйиб ўрнатмоқ.

ВРУБИ/ТЬСЯ, врублю́сь, вру́бишься *сов. (несов.* **врубáться**) 1 тешиб (ёриб ёки кесиб) кирмоқ; **лесору́бы ~лись в глубь тайги́** дарахт кесувчилар дарахтларни қирқиб ўрмон ичкарисига кирдилар, **ко́нница ~лась в ряды́ неприя́теля** отлиқ аскарлар душман сафини ёриб кирдилар; 2 *горн.* врубка қилмоқ (тоғ жинсини ўймоқ, ўйиб кирмоқ, ўйиб туширмоқ).

ВРУБКА *ж* 1 *по гл.* **врубáть** и **врубúться;** 2 *спец.* тирноқ ўйиб ўрнатиш (дурадгорликда).

ВРУБМАШИ́НА *ж* (вру́бовая маши́на) *горн.* врубка машинаси.

ВРУБМАШИНИ́СТ *м* врубка машинасида ишловчи ишчи.

ВРУБО́В/ЫЙ, -ая -ое *горн.* врубка қиладиган; врубка... **~ая маши́на** врубка машинаси.

ВРУКОПА́ШНУЮ *нареч.* 1 қўли (мушти) билан, муштлашиб; 2 қилич-найза билан; **дра́ться ~** 1) муштлашмоқ; 2) қилич-найза билан олишмоқ (жанг қилмоқ).

ВРУН *м, р.* **-а́** *разг.* ёлғончи, алдоқчи.

ВРУНЬЯ *ж, р. мн.* **-ний** *разг.* алдоқчи (ёлғончи) аёл.

ВРУЧА́ТЬ *несов. см.* **вручúть.**

ВРУЧЕ́НИЕ *с по гл.* **вручúть; ~ награ́ды** мукофотни топшириш; **~ вери́тельной гра́моты** ишонч ёрлиғини топшириш.

ВРУЧИ́ТЬ *сов. (несов.* **вруча́ть**) *кого-что кому* 1 топширмоқ, қўлига бермоқ; **~ письмо́** хатни топширмоқ; 2 *перен. книжн.* ишонмоқ, ишониб топширмоқ; **~ свою́ судьбу́** *кому-л.* ўз тақдирини бировга ишониб топширмоқ.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ВРУЧНУЮ *нареч.* қўл билан, қўлда; **грузи́ть ~** қўл билан ортмоқ (юкни).

ВРУ́ША *м* и *ж прост. то же, что* **врун** и **вру́нья.**

ВРЫВА́ТЬ *несов. см.* **врыть.**

ВРЫВА́ТЬСЯ I *несов.* 1 *см.* **врыться**; 2 *страд. от* **врыва́ть.**

ВРЫВА́ТЬСЯ II *несов. см.* **ворва́ться.**

ВРЫТЬ, вро́ю, вро́ешь *сов. (несов.* **врыва́ть**) *что* ковлаб кўммоқ, ўрнатмоқ; **~ столб в зе́млю** устунни ерга ковлаб ўрнатмоқ.

ВРЫТЬСЯ, вро́юсь, вро́ешься *сов. (несов.* **врыва́ться** I) 1 қазиб (ковлаб) кирмоқ, кўмилмоқ; **~ в се́но** пичанни ковлаб кирмоқ; 2 ерни ўйиб яшириндилар; **пехо́та вры́лась в зе́млю** пиёдалар ерни ўйиб яшириндилар.

ВРЯД *частица уст. то же, что* **вряд ли.**

ВРЯД ЛИ *частица* гумон, даргумон, шубҳали, эҳтимолдан узоқ; **~ он успе́ет** унинг улгуриши гумон (даргумон); у улгура олмаса керак.

ВС- *см.* **вз-.**

ВСАДИ́ТЬ, всажу́, вса́дишь *сов. (несов.* **вса́живать**) *что* 1 куч (зарб) билан қадамоқ, санчмоқ, киргизмоқ, тиқмоқ, суқмоқ; **~ топо́р в де́рево** болтани куч билан уриб дарахтга киргизмоқ (қадамоқ); 2 отиб тегизмоқ, урмоқ; **~ пу́лю в лоб** ўқни пешанасига тегизмоқ (қоқ пешанасига урмоқ); 3 *перен. прост.* қилмоқ, харж (харажат) қилиб юбормоқ.

ВСАДИ́ТЬСЯ, вса́дится *сов. (несов.* **вса́живаться**) *разг.* санчилмоқ, қадалмоқ.

ВСА́ДНИК *м* 1 от минган киши; отлиқ, чавандоз, сувори; 2 *мн.* **~и** имтиёзли кишилар (қадимги Римда); ✦ **~и револю́ции** инқилоб чавандозлари.

ВСА́ДНИЦА *ж* отлиқ аёл.

ВСА́ЖИВАТЬ *несов. см.* **всади́ть.**

ВСА́ЖИВАТЬСЯ, -ается *несов.* 1 *см.* **всади́ться**; 2 *страд. от* **вса́живать.**

ВСАСЫВА́НИЕ *с* эмиш, сўриш, шимиш.

ВСАСЫВА́ТЕЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое сўришга оид; сўриш...; **~ое движе́ние** сўриш ҳаракати; **~ая труба́** сўриш трубаси.

ВСАСЫВА́ТЬ *несов. см.* **всоса́ть.**

ВСАСЫВА́ТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **всоса́ться**; 2 *страд. от* **вса́сывать.**

ВСЁ *нареч. разг.* 1 доим, доимо, ҳар доим, ҳамиша; **не ~ кото́ ма́сленица** *посл.* доим бирдай (байрам) бўлавермайди; гоҳ ундай бўлади, гоҳ бундай; ҳозирги ҳузур, охири қусур; борида чора-чора, йўғида банда бечора; **Всё вы сиди́те оди́н, о чём-то ду́маете** (Чехов) Доимо ёлғиз ўтирасиз, нималарнидир ўйлайсиз; 2 ҳалигача, ҳануз, ҳамон; **а он ~ не идёт** у ҳалигача (шу чоққача) келгани йўқ; **дождь ~ льёт** ёмғир ҳануз ёғяпти (қуймоқда); 3 фақат, нуқул, ҳаммаси; **~ из-за тебя́** фақат (ҳаммаси) сен сабабли; 4 борган сари, тобора; **~ смеле́е и смеле́е** тобора дадил; **~ бо́лее и бо́лее** борган сари, тобора; 5 *в знач. противит. союза разг.* бироқ, аммо, шунга қарамай, бари бир; **как он ни стара́ется, ~ ничего́ не выхо́дит** у қанчалик ҳаракат қилмасин, бари бир бўлмаяпти; ✦ **~ ж** или **~ же** ҳар ҳолда, шунга қарамай, шунга қарамасдан.

ВСЕВЕ́ДЕНИЕ *с* 1 *высок. уст.* ҳамма нарсани билиш, ҳамма нарсадан хабардорлик; 2 *ирон.* билармонлик.

ВСЕВЕ́ДУЩИЙ, -ая, -ее 1 *высок. уст.* ҳамма нарсани биладиган, ҳамма нарсадан хабардор, воқиф; 2 *ирон.* билармон.

ВСЕВИ́ДЯЩИЙ, -ая, -ее *книжн.* и *ирон.* ҳамма нарсани кўрувчи, кўзи ўткир, зийрак.

ВСЕВЛА́СТИЕ *с* чексиз ҳукмронлик; **~ фина́нсовых тузо́в в стра́нах капита́ла** капитал мамлакатларда пулдорларнинг чексиз ҳукмронлиги.

ВСЕВЛА́СТНЫЙ, -ая, -ое; -тен, -тна чексиз ҳукмронлик қилувчи.

ВСЕ́ОБУЧ *м* (всеобщее воённое обуче́ние) умумий ҳарбий таълим.

ВСЕВОЗМО́ЖНЫ/Й, -ая, -ое ҳар турли, ҳар хил; хилма-хил, турли-туман; анвойи, турфа, ранг-баранг; **~е това́ры** ҳар хил моллар, анвойи товарлар; **тка́ни ~х расцве́ток** турли рангдаги газламалар.

ВСЕВО́ЛНОВЫЙ, -ая, -ое *радио* барча тўлқинларда ишлайдиган; **~ приёмник** барча тўлқинларда ишлайдиган приёмник.

ВСЕВЫШНИЙ, -яя, -ее *книжн. уст.* 1 парвардигори олам (худонинг эпитети); 2 худо амри (иродаси, хоҳиши) билан бўлган, худо буюрган; 3 *в знач. сущ.* **~м** худо, олло-таоло.

ВСЕГДА *нареч.* 1 доим, доимо, ҳамиша, ҳамма вақт; **он ~ споко́ен** у ҳамиша босиқ (вазмин, оғир); **как ~** ҳамма вақтдагидек, одатдагидек; **~ гото́в!** доим тайёр!; 2 абадий; **мате́рия существова́ла ~** материя абадий мавжуд.

ВСЕГДАШНИЙ, -яя, -ее доимий, ҳар доим бўладиган (бўлиб турадиган), одатдаги; **~ гость** доимий меҳмон; кунда-шунда бўлиб колган меҳмон.

ВСЕ́ГО *нареч.* 1 ҳаммаси, жами; ҳаммаси бўлиб; **израсхо́довано ~ сто рубле́й** ҳаммаси бўлиб юз сўм сарф бўлди; 2 *в знач. частицы* фақат, атиги; **~ два ме́сяца тому́ наза́д** атиги икки ой илгари; ✦ **~-на́всего** фақат, атиги, ҳаммаси бўлиб; **то́лько и ~** фақат шугина, атиги (бўлгани) шу; **~ (хоро́шего)** хайр, хўш.

ВСЕДЕРЖИ́ТЕЛЬ *м уст.* парвардигори олам, олампаноҳ (худонинг эпитетларидан бири).

ВСЕДНЕ́ВНЫЙ, -ая, -ое *уст.* ҳар кунги, кунда бўладиган, кундалик.

В-СЕДЬМЫХ *вводн. сл.* еттинчидан, еттинчиси.

ВСЕЗНА́ЙКА *м* и *ж, р. мн.* **-а́ек** *разг. ирон.* ўзини билимдон ҳисобловчи (фаҳмловчи) киши, маҳмадона.

ВСЕЗНА́ЙСТВО *с разг. ирон.* ўзини билармон (билимдон) ҳисоблаш (фаҳмлаш), маҳмадоналик.

ВСЕЗНАЮЩИЙ, -ая, -ее *книжн.* и *ирон.* ҳамма нарсани биладиган, ҳамма нарсадан хабардор.

ВСЕКОНЕ́ЧНО *вводн. сл. уст.* албатта, шубҳасиз, шак-шубҳасиз.

ВСЕЛЕ́НИЕ *с по гл.* **всели́ть** 1 и **всели́ться** 1; **~ в но́вые дома́** янги уйларга кўчиб кириш; янги уйларга одам қўйиш.

ВСЕЛЕ́ННАЯ *ж, р.* **-ой** 1 коинот, олам; **строе́ние ~ой** коинотнинг (оламнинг) тузилиши; 2 жаҳон, ер юзи, бутун дунё, олам, ер-кўк; **объе́хать всю ~ую** бутун дунёни айланиб (кезиб) чиқмоқ.

ВСЕЛЕ́НСКИ/Й, -ая, -ое *уст.* бутун дунё ..., бутун жаҳон...; ✦ **~е собо́ры** дунё христианларининг йиғини (4—19-асрларда).

ВСЕЛИ́ТЬ *сов. (несов.* **вселя́ть**) 1 *кого во что* жойлаштирмоқ, кўчириб киргизмоқ, қўймоқ; **~ в но́вый дом** янги уйга жойлаштирмоқ (кўчириб киргизмоқ); 2 *перен. что в кого* солмоқ; ҳосил қилмоқ, туғдирмоқ; **~ трево́гу** (кўнглига) ваҳима солмоқ; **~ уве́ренность** ишонч ҳосил қилмоқ, ишонч туғдирмоқ.

ВСЕЛИ́ТЬСЯ *сов. (несов.* **вселя́ться**) 1 ўрнашмоқ, кўчиб кирмоқ, кўчиб кириб жойлашмоқ; 2 *перен.* кўнгилда (мияда) жойлашмоқ (жо бўлмоқ), туғилмоқ.

ВСЕЛЯ́ТЬ *несов. см.* **всели́ть.**

ВСЕЛЯ́ТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **всели́ться**; 2 *страд. от* **вселя́ть.**

ВСЕМЕ́РНО *нареч.* барча чоралар (йўллар) билан, бор имкониятлардан фойдаланиб, барча имкониятларни ишга солиб; **~ помога́ть** барча чоралар (йўллар) билан ёрдам бермоқ.

ВСЕМЕ́РН/ЫЙ, -ая, -ое барча чоралар билан қилинган, бор имконлардан фойдаланиб амалга оширилган; **~ое содействие** бор имконлар билан ёрдам бериш.

ВСЕ́МЕРО *нареч.* етти марта, етти карра; **увели́чить ~** етти марта катталаштирмоқ (кўпайтирмоқ); **~ бо́льше** етти марта кўп (катта).

ВСЕ́МЕРО́М *нареч.* етти кишилашиб, етти киши бўлиб, еттовлон; **~ упра́виться с рабо́той** ишни етти кишилашиб уддаламоқ.

ВСЕМИЛОСТИВЫЙ, -ая, -ое; -всеми́лостивейший *книжн.* ҳимматли, марҳаматли, олий ҳиммат (худонинг ва подшоҳларнинг эпитети).

ВСЕМИ́РНО-ИСТОРИ́ЧЕСКИ/Й, -ая, -ое оламшумул-тарихий; **~е побе́ды сове́тского наро́да** совет халқининг оламшумул-тарихий ғалабалари.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ВСЕМИ́РН/ЫЙ, -ая, -ое дунё (жаҳон) миқёсидаги; (бутун) дунё...; (бутун) жаҳон...; оламшумул, жаҳоншумул; ~**ая исто́рия** дунё тарихи; ~**ый конгре́сс сторо́нников ми́ра** тинчлик тарафдорларининг жаҳон конгресси; **Всеми́рная федера́ция демократи́ческой молодёжи** Бутун жаҳон демократик ёшлар федерацияси.

ВСЕМОГУЩЕСТВО *с* қудратли (ҳар нарсага қодир) куч; қудратлилик; чексиз қудрат; ~ **ра́зума** ақл-идрокнинг чексиз қудрати (қудратли кучи).

ВСЕМОГУ́ЩИЙ, -ая, -ее ҳар нарсага қодир, қудратли, кучли.

ВСЕНАРО́ДНО *нареч.* 1 бутун халқ олдида; 2 бутун халқ бир (ҳамжиҳат) бўлиб.

ВСЕНАРО́ДН/ЫЙ, -ая, -ое умумхалқ; ~**ое достоя́ние** умумхалқ бойлиги; ~**ое де́ло** умумхалқ иши; ~**ый пра́здник** умумхалқ байрами.

ВСЕНЕПРЕМЕ́ННО *нареч. уст.* албатта, ҳеч сўзсиз.

ВСЕНИЖАЙШ/ИЙ, -ая, -ее *книжн. уст.* и *шутл.* ожизона, камтарона, камтарин; ~**ая про́сьба** ожизона илтимос.

ВСЕНО́ЩНАЯ *ж, р.* **-ой** *церк* кечки ибодат.

ВСЕОБУЧ *м* (всеобщее обуче́ние) умумий мажбурий таълим.

ВСЕО́БЩ/ИЙ, -ая, -ее умумий, ялпи, оммавий; барчага баравар тааллуқли; ~**ее избира́тельное пра́во** умумий сайлов ҳуқуқи; ~**ая забасто́вка** умумий (ялпи) иш ташлаш; ~**ая во́инская пови́нность** умумий ҳарбий хизмат.

ВСЕО́БЩНОСТЬ *ж* умумийлик, ялпилик, оммавийлик; барчага баравар тааллуқлилик.

ВСЕОБЪЕ́МЛЮЩ/ИЙ, -ая, -ее 1 кўп нарсани (барчасини) ўз ичига олган, кенг қамраб олган (қамровчи); ~**ая зада́ча** кўп масалаларни ўз ичига олган вазифа; 2 ҳар нарсага тушуниб ета оладиган, ўткир; ~**ий ум** ҳар нарсага етадиган ақл, ўткир зеҳн.

ВСЕОРУ́ЖИ/Е *с:* **во ~и** 1) тўла қуролланган ҳолда; шайланиб, тайёр туриб; 2) етарли билим билан.

ВСЕПОБЕЖДА́ЮЩ/ИЙ, -ая, -ее ғолиб, ҳамма нарсани енгувчи; ~**ая си́ла иде́й лениниз́ма** ленинизм ғояларининг ғолиб кучи.

ВСЕПОГЛОЩА́ЮЩ/ИЙ, -ая, -ее бутун вужудни қамраб оладиган, ҳаммасидан баланд, кучли; бошқа ҳис-туйғулардан ғолиб (устун); ~**ая страсть** баланд (кучли) эҳтирос.

ВСЕПОДДА́ННЕЙШ/ИЙ, -ая, -ее *книжн. уст.* ожизона, хокисорона; ~**ее проше́ние** ожизона арзнома.

ВСЕПОКО́РНЕЙШИЙ, -ая, -ее *книжн. уст.* ожиз, камтар(ин), хокисор.

ВСЕПРОЩА́ЮЩИЙ, -ая, -ее *уст.* ҳамма гуноҳларни кечирувчи, ҳамма гуноҳлардан ўтувчи, раҳмдил.

ВСЕПРОЩЕ́НИЕ *с уст.* ҳамма гуноҳларни кечиш (кечириш), ҳамма гуноҳлардан ўтиш, раҳмдиллик.

ВСЕРОССИ́ЙСКИЙ, -ая, -ое Бутун Россия миқёсидаги; Бутун Россия...; Умум Россия...; ~ **смотр худо́жественной самоде́ятельности** Бутун Россия (миқёсидаги) бадиий ҳаваскорлик кўриги.

ВСЕРЬЁЗ *нареч.* 1 чинакамига, чиндан, ростдан, жиддий тус билан, жиддий, беҳазил; **приня́ть ~** чинга олмоқ, чиндан деб билмоқ; 2 жиддий равишда, жиддий, астойдил; **взя́ться за де́ло ~** ишга жиддий киришмоқ.

ВСЕСВЕ́ТНЫЙ, -ая, -ое *уст.* 1 *то же, что* **всеми́рный**; 2 бутун халқ ўртасидаги, эл-юрт оғзидаги.

ВСЕСИ́ЛИЕ *с то же, что* **всемогу́щество.**

ВСЕСИ́ЛЬНОСТЬ *ж то же, что* **всемогу́щество.**

ВСЕСИ́ЛЬНЫЙ, -ая, -ое кучли, ҳар нарсага қодир; кучи, қудрати етадиган.

ВСЕСЛАВЯ́НСКИЙ, -ая, -ое умумславян, барча славянларга оид, тааллуқли.

ВСЕСОЖЖЕ́НИЕ *с* қурбонликни батамом куйдириш (қадимий халқлар одати).

ВСЕСОКРУША́ЮЩ/ИЙ, -ая, -ее ҳамма нарсани яксон қилувчи, тор-мор келтирувчи; ~**ая си́ла** ҳамма нарсани яксон қилувчи куч.

ВСЕСОЮ́ЗНЫЙ, -ая, -ое бутуниттифоқ миқёсидаги; бутуниттифоқ...; умумиттифоқ...; **Всесою́зный Ле́нинский Коммунисти́ческий Сою́з Молодёжи** Бутуниттифоқ Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзи; ~ **съезд учителе́й** ўқитувчиларнинг бутуниттифоқ съезди.

ВСЕСТО́РОННЕ *нареч.* ҳар тарафлама, атрофлича.

ВСЕСТОРО́ННИЙ, -яя, -ее ҳар тарафлама (атрофлича) қамраб оладиган (бажариладиган, қилинадиган); ~**ее обсужде́ние** ҳар тарафлама (атрофлича) муҳокама (қилиш); ~**ее разви́тие** ҳар тарафлама ривожланиш.

ВСЁ-ТАКИ 1 *союз противит.* ҳар ҳолда; ... га қарамасдан, гарчи... бўлса ҳам, **Мину́ты три всё бы́ло уже́ гото́во, и ~ ме́длили начина́ть** (Л. Толстой) Ҳамма нарса тайёр бўлганига уч минутча бўлиб қолган эса-да, бошлашга шошилмадилар; 2 *частица* барибир: **а ~ я прав** мен барибир ҳақлиман.

ВСЕУЗБЕ́КСКИЙ, -ая, -ое Бутун Ўзбекистон миқёсидаги; Бутун Ўзбекистон...; ~ **слёт передовико́в хлопково́дства** илғор пахтакорларнинг Бутун Ўзбекистон слёти.

ВСЕУСЛЫША́НИЕ *с:* **во ~** (сказа́ть, заяви́ть, объяви́ть и т. п.) ҳаммага эшиттириб, жар солиб, ошкора; **заяви́ть во ~** ҳаммага эшиттириб айтмоқ, ошкора эълон қилмоқ.

ВСЕЦЕ́ЛО *нареч.* бус-бутун; бутунлай, тамоман, буткул, бутунича.

ВСЕЧА́СНО *нареч* ҳар соатда, соат сайин, ҳар доим.

ВСЕЧА́СНЫЙ, -ая, -ое ҳамма вақт (ҳар соатда, соат сайин) бўладиган, бўлиб турадиган, доимий.

ВСЕЯ́ДН/ЫЙ, -ая, -ое ҳар нарсани сеяверадиган; ~**ое живо́тное** ҳар нарсани сеяверадиган ҳайвон.

ВСКАКА́ТЬ, -ачу́, -ачешь *сов.* от чоптириб кирмоқ.

ВСКА́КИВАТЬ *несов. см.* **вскочи́ть.**

ВСКА́ПЫВАТЬ *несов. см.* **вскопа́ть.**

ВСКАРА́БКАТЬСЯ *сов. (несов.* **вскара́бкиваться**) тирмашиб (чирмашиб, ўрмалаб, ёпишиб) чиқмоқ; ~ **на де́рево** дарахтга тирмашиб чиқмоқ.

ВСКАРА́БКИВАТЬСЯ *несов. см.* **вскара́бкаться.**

ВСКАРМЛИВА́НИЕ *с* боқиш, парваришлаш, боқиб катта қилиш, семиртириш; **иску́сственное ~** овқат бериб (яъни эмизмасдан) боқиш.

ВСКАРМЛИВА́ТЬ *несов. см.* **вскорми́ть.**

ВСКАТИ́ТЬ, -ачу́, -а́тишь *сов. (несов.* **вска́тывать**) думалатиб (ғилдиратиб) олиб чиқмоқ.

ВСКАТИ́ТЬСЯ, -ачу́сь, -а́тишься *сов. (несов.* **вска́тываться**) думалаб (ғилдираб) чиқмоқ (ғўла, копток, арава ва ш. к. ҳақида).

ВСКА́ТЫВАТЬ *несов. см.* **вскати́ть.**

ВСКА́ТЫВАТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **вскати́ться**; 2 *страд. от* **вска́тывать.**

ВСКАЧЬ *нареч.* чопиб, югуриб, елиб; чоптириб, елдириб, елдай учириб; **нести́сь ~** чоптириб (елдириб) бормоқ; чопиб (елдай учиб) бормоқ.

ВСКИ́ДЫВАТЬ *несов. см.* **вски́нуть.**

ВСКИ́ДЫВАТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **вски́нуться**; 2 *страд. от* **вски́дывать.**

ВСКИ́НУТЬ *сов. (несов.* **вски́дывать**) 1 *на что* юқорига отмоқ, иргитмоқ; ташламоқ; ~ **снопы́ на воз** боғларни аравага отмоқ (ташламоқ); 2 озод кўтариб олмоқ, силтаб кўтармоқ, шартта кўтармоқ; ~ **мешо́к на́ спину** қопни озод кўтариб, елкага олмоқ; ~ **го́лову** бошини озод кўтармоқ; ✦ ~ **глаза́ (глаза́ми)** бирдан юқорига қарамоқ, кўз ташламоқ.

ВСКИ́НУТЬСЯ *сов. (несов.* **вски́дываться**) 1 *разг.* тез (бирдан) кўтарилмоқ; лип (ёки лоп) этиб кўтарилмоқ; 2 *перен. на кого-что прост.* дағдаға қилиб ташланмоқ, ўдағайлаб келмоқ.

ВСКИПА́ТЬ *несов. см.* **вскипе́ть** 1.

ВСКИПЕ́/ТЬ, -плю́, -пи́шь *сов. (несов.* **вскипа́ть**) 1 қайнамоқ, қайнаб чиқмоқ; **вода́ ~ла** сув қайнади; 2 *перен.* тутақмоқ, тутақиб (қони, зардаси қайнаб) кетмоқ, ғазаби ошмоқ; ~**ть от оби́ды** аламига чидаёлмай тутақиб кетмоқ.

ВСКИПЯТИ́ТЬ, -ячу́, -яти́шь *сов. что* қайнатмоқ; ~ **молоко́** сутни қайнатмоқ (пиширмоқ).

ВСКИПЯТИ́ТЬСЯ, -ячу́сь, -яти́шься *сов.* 1 қайнаб чиқмоқ, қайнай бошламоқ; 2 *перен. разг.* тутақмоқ, тутақиб (қони, зардаси қайнаб) кетмоқ, ғазаби ошмоқ.

ВСКЛИКНУТЬ *сов. уст. то же, что* **воскли́кнуть.**

ВСКЛОКО́ЧИВАТЬ *несов. см.* **всклоко́чить.**

www.ziyouz.com kutubxonasi

ВСКЛОКОЧИВАТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **всколоко́читься**; 2 *страд. от* **всклоко́чивать.**

ВСКЛОКО́Ч/ИТЬ *сов. (несов.* **всклоко́чивать**) *что разг.* ҳурпайтирмоқ, тўзғитмоқ; **~енные во́лосы** тўзғиган (ҳурпайган) сочлар.

ВСКЛОКО́ЧИТЬСЯ, -ится *сов. (несов.* **всклоко́чиваться**) *разг.* ҳурпаймоқ, тўзғимоқ.

ВСКЛО́ЧИВАТЬ *несов. см.* **вскло́чить.**

ВСКЛО́ЧИВАТЬСЯ, -ается *несов.* 1 *см.* **вскло́читься**; 2 *страд. от* **вскло́чивать.**

ВСКЛО́ЧИТЬ *сов. (несов.* **вскло́чивать**) *разг. то же, что* **всклоко́чить.**

ВСКЛО́ЧИТЬСЯ, -ится *сов. (несов.* **вскло́чиваться**) *разг. то же, что* **всклоко́читься.**

ВСКОЛЕБА́ТЬ, -ле́блю, -ле́блешь *сов. что уст.* тўлқинлатмоқ, тебратмоқ, силкитмоқ.

ВСКОЛЕБА́ТЬСЯ, -ле́блется *сов. уст.* тўлқинланмоқ, тебранмоқ, силкинмоқ.

ВСКОЛЫХА́ТЬ, -ы́шу, -ы́шешь и **-а́ю, -а́ешь** *сов. уст. то же, что* **всколыхну́ть.**

ВСКОЛЫХА́ТЬСЯ, -ы́шусь, -ы́шешься и **-а́юсь, -а́ешься** *сов. уст. то же, что* **всколыхну́ться.**

ВСКОЛЫХИВА́ТЬ *несов. см.* **всколыхну́ть.**

ВСКОЛЫХИВА́ТЬСЯ *несов. см.* **всколыхну́ться.**

ВСКОЛЫХНУ́/ТЬ *сов. (несов.* **всколы́хивать**) *кого-что* 1 тебратмоқ, силкитмоқ, ҳилпиратмоқ; **ве́тер ~л рожь** шамол жавдари буғдойни тебратди (ҳилпиратди); 2 *перен.* қўзғатмоқ, ҳаракатга келтирмоқ; **~ть широ́кие ма́ссы** кенг халқ оммасини қўзғатмоқ (ҳаракатга келтирмоқ).

ВСКОЛЫХНУ́/ТЬСЯ *сов. (несов.* **всколы́хиваться**) 1 тебранмоқ, силкинмоқ, қимирламоқ, ҳилпирамоқ; 2 *перен.* қўзғалмоқ, ҳаракатга келмоқ; **ма́ссы ~лись** омма қўзғалди (ҳаракатга келди).

ВСКОЛЬЗНУ́ТЬ *сов. разг.* лип этиб (билдирмай, сездирмай) ўтиб кетмоқ.

ВСКО́ЛЬЗЬ *нареч.* сал, андак; йўл-йўлакай; юзакигина; **упомяну́ть ~** йўл-йўлакай эслатиб ўтмоқ (тилга олмоқ).

ВСКО́ПАТЬ *сов. (несов.* **вска́пывать**) *что* чопмоқ, чопиқ қилмоқ, чопиб юмшатмоқ; **~ гря́дки** жўякларни чопмоқ (чопиқ қилмоқ).

ВСКО́РЕ *нареч.* тез, кўп ўтмай, тез орада, дарров; **он ~ верну́лся** у тез қайтиб келди.

ВСКОРМИ́ТЬ, -ормлю́, -о́рмишь *сов. (несов.* **вска́рмливать**) *кого-что* 1 боқмоқ, парваришламоқ, боқиб катта қилмоқ, семиртирмоқ; 2 тарбияламоқ, тарбиялаб ўстирмоқ.

ВСКО́РМЛЕННИК *м уст.* асраб олинган бола, асранди.

ВСКО́РМЛЕННИЦА *ж уст. см.* **вско́рмленник.**

ВСКОРОБИ/ТЬ, -ит *ссв. что прост.* қайиштирмоқ, майиштирмоқ; **фане́ру ~ло** фанер қайишиб қолибди.

ВСКОРОБИ/ТЬСЯ, -ится *-сов. прост.* қайишмоқ, майишмоқ, тоб ташламоқ; **пол ~лся** пол (тахталари) қайишиб кетибди.

ВСКОРОСТИ *нареч. прост. то же, что* **вско́ре.**

ВСКОСМАТИ́ТЬ, -ачу, -а́тишь *сов. что прост.* пахмайтирмоқ, ҳурпайтирмоқ.

ВСКОСМАТИ́ТЬСЯ, -ится *сов. прост.* пахмаймоқ, ҳурпаймоқ.

ВСКОЧИ́ТЬ, -очу́, -о́чишь *сов. (несов.* **вска́кивать**) 1 ирғиб чиқмоқ, сакраб чиқиб олмоқ; ирғиб миниб олмоқ; **~ на ло́шадь** отга ирғиб миниб олмоқ; **~ в ваго́н** вагонга сакраб чиқиб олмоқ; 2 ирғиб турмоқ, дик этиб турмоқ; сапчиб тушмоқ; **~ с ме́ста** ўрнидан ирғиб турмоқ; **~ от испу́га** қўрқувдан сакраб кетмоқ (сапчиб тушмоқ); 3 *перен. разг.* бирпасда чиқмоқ, тошмоқ, пайдо бўлмоқ (ҳуснбузар, ғурра ва ш. к. ҳақида); **на лбу вскочи́ла ши́шка** пешанаси бирпасда ғурра бўлди; ✦ **~ в копе́ечку** қимматга тушмоқ.

ВСКРИ́К *м* қичқириқ, бақириқ; **раздался ~** бақириқ эшитилди.

ВСКРИ́КИВАНИЕ *с* 1 *по гл.* **вскри́кивать**; 2 қичқириқ, бақириқ.

ВСКРИ́КИВАТЬ *несов. см.* **вскри́кнуть.**

ВСКРИ́КНУТЬ *сов. (несов.* **вскри́кивать**) қичқирмоқ, бақирмоқ; қичқириб (бақириб) юбормоқ; **~ от испу́га** қўрққанидан қичқириб юбормоқ.

ВСКРИЧА́ТЬ *сов.* 1 бақириб (баланд овоз билан) гапирмоқ; ҳаяжонланиб бақириб юбормоқ; **~ в негодова́нии** ғазаби келиб бақириб юбормоқ; 2 *уст.* и *прост. кого* бақириб (баланд овоз билан) чақирмоқ.

ВСКРУЖИТЬ, -ужу́, -ужи́шь и **у́жишь** *сов.: ~* **го́лову** *кому* бошини айлантирмоқ, гангитмоқ, эсанкиратиб қўймоқ.

ВСКРУЖИ́Т/ЬСЯ, -и́тся *сов.: ~***ся голова́** (или ум) одамнинг боши айланиб кетди; одам гангиб (эсанкираб) қолади.

ВСКРЫВА́ТЬ *несов. см.* **вскрыть.**

ВСКРЫВА́ТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **вскры́ться**; 2 *страд. от* **вскрыва́ть.**

ВСКРЫ́ТИЕ *с по гл.* **вскрыть** и **вскры́ться** 3; **~ посы́лки** посилкани очиш; **~ тру́па** ўликни (мурдани) ёриш; **~ недоста́тков** камчиликларни очиб ташлаш (фош қилиш); камчиликларнинг очилиши; **~ реки́** дарёнинг очилиши (муздан тозаланиши).

ВСКРЫТЬ, -рою́, -ро́ешь *сов. (несов.* **вскрыва́ть**) *что* 1 очмоқ; **~ конве́рт** конвертни очмоқ; **~ посы́лку** посилкани очмоқ; 2 *мед.* очмоқ, кесмоқ, ёрмоқ; **~ нары́в** йиринг бойлаган ярани очмоқ; **~ труп** ўликни (мурдани) ёрмоқ; 3 *перен.* очмоқ, очиб ташламоқ, фош қилмоқ; аниқламоқ; **~ преступле́ние** жиноятни очмоқ; **~ су́щность** *чего-л.* моҳиятини очмоқ (аниқламоқ).

ВСКРЫ/ТЬСЯ, -ро́ется *сов. (несов.* **вскрыва́ться**) 1 *уст.* очилмоқ, очилиб кетмоқ; 2 *перен.* очилмоқ, фош (ошкор) бўлмоқ; **~лись оши́бки** хатолар очилди; 3 очилмоқ, муздан тозаланмоқ; **река́ ~лась** дарё очилди (муздан тозаланди).

ВСКРЫШН/О́Й: ~ы́е рабо́ты фойдали қазилмаларнинг юзини очиш; **~о́й спо́соб разрабо́тки** юзини очиб фойдали қазилмаларни олиш усули.

ВСЛАСТЬ *нареч. разг.* тўйгунча, қонгунча, мириқиб, маза қилиб; **наговори́ться ~** мириқиб гаплашиб олмоқ, тўйиб гаплашмоқ.

ВСЛЕД *нареч.* 1 изидан, кетидан қувиб, кетма-кет (қорама-қора); **идти́ ~ *за кем-л.*** из қувиб бормоқ, изидан (кетидан) бормоқ; 2 *в знач. предлога с дат.* кетидан, орқасидан; **смотре́ть ~ *кому-л.*** орқасидан қараб қолмоқ; ✦ **~ за тем** ундан (шундан, ўшандан) кейин.

ВСЛЕ́ДСТВИЕ *предлог с р.* сабабли, туфайли, натижасида; оқибатида, орқасида; **~ боле́зни** касаллиги сабабли; касаллик оқибатида.

ВСЛЕПУ́Ю *нареч.* 1 кўрмасдан, қарамасдан, тусмол билан; пайпаслаб, тусмоллаб; **печа́тать на маши́нке ~** машинкада қарамасдан босмоқ; **лете́ть ~** кўрмасдан учмоқ (самолётда); 2 *перен.* кўр-кўрона; **де́йствовать ~** кўр-кўрона ҳаракат қилмоқ.

ВСЛУХ *нареч.* овоз чиқариб, эшиттириб; **чита́ть ~** овоз чиқариб ўқимоқ.

ВСЛУ́ШАТЬСЯ *сов. (несов.* **всл/у́шиваться**) *во что* диққат билан (қулоқ солиб) тингламоқ (эшитмоқ); қулоқ солмоқ; **~ в разгово́р** гапга қулоқ солмоқ.

ВСЛУ́ШИВАТЬСЯ *несов. см.* **всл/у́шаться.**

ВСМА́ТРИВАТЬСЯ *несов. см.* **всмотре́ться.**

ВСМОТРЕ́ТЬСЯ, -отрю́сь, -о́тришься *сов. (несов.* **всма́триваться**) *в кого-что* диққат билан қарамоқ, синчиклаб қарамоқ, тикилиб қарамоқ; **~ в текст** текстга диққат билан қарамоқ, текстни синчиклаб кўрмоқ; **~ вдаль** узоққа тикилиб қарамоқ.

ВСМЯТКУ *нареч.* илитиб, чала пиширилиб (тухум ҳақида); **свари́ть яйцо́ ~** тухумни илитмоқ (чала пиширмоқ); ✦ **сапоги́ ~** *прост.* беҳуда (бўлмагур) гап.

ВСОВА́ТЬ, всую́, всуёшь *сов. (несов.* **всо́вывать**) *что прост.* тиқмоқ, ниқталаб тиқмоқ.

ВСО́ВЫВАТЬ *несов. см.* **всу́нуть** и **всова́ть.**

ВСО́ВЫВАТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **всу́нуться**; 2 *страд. от* **всо́вывать.**

ВСОСА́ТЬ *сов. (несов.* **вса́сывать**) *что* эммоқ, сўрмоқ, шиммоқ, гортмоқ; эмиб (сўриб, шимиб, тортиб) олмоқ; ✦ **~ с молоко́м (ма́тери)** она сути билан (яъни болаликдан) ўзлаштирмоқ, ўрганмоқ.

ВСОСА/ТЬСЯ *сов. (несов.* **вса́сываться**) 1 шимилмоқ, сингмоқ, шимилиб (сингиб) **кетмоқ; вода́ ~лась в зе́млю**

www.ziyouz.com kutubxonasi

сув ерга шимилиб (сингиб) кетди; 2 ботмоқ, ботиб кетмоқ, комига кирмоқ.

ВСПА́ИВАТЬ *несов. см.* **вспои́ть.**

ВСПА́РХИВАТЬ *несов. см.* **вспорхну́ть.**

ВСПА́РЫВАТЬ *несов. см.* **вспоро́ть.**

ВСПАХА́ТЬ, -пашу́, -па́шешь *сов. (несов.* **вспа́хивать**) *что* ҳайдамоқ, шудгор қилмоқ, шудгорламоқ.

ВСПА́ХИВАТЬ *несов. см* **вспаха́ть.**

ВСПА́ШКА *ж* ер ҳайдаш; шудгор қилиш, шудгорлаш; **весе́нняя ~** баҳорги шудгор(лаш); **зя́блевая ~** кузги шудгор(лаш); **глубо́кая ~** чуқур ҳайдаш.

ВСПЕ́НЕННЫЙ и **ВСПЕНЁННЫЙ, -ая, -ое** 1 *прич. от* **вспе́нить**; 2 *в знач. прил.* тер босган, терга ботган (от ҳақида).

ВСПЕ́НИВАТЬ *несов. см* **вспе́нить.**

ВСПЕ́НИВАТЬСЯ -ается *несов.* 1 *см.* **вспе́ниться**; 2 *страд. от* **вспе́нивать.**

ВСПЕ́НИТЬ *сов. (несов.* **вспе́нивать**) 1 *что* кўпиртирмоқ, кўпиклантирмоқ, кўпикка айлантирмоқ; **~ во́ду** сувни кўпиртирмоқ; 2 *кого* тер бостирмоқ, қора терга ботирмоқ.

ВСПЕ́НИТЬСЯ, -ится *сов. (несов.* **вспе́ниваться**) кўпирмоқ, кўпикланмоқ, кўпикка айланмоқ, кўпик босмоқ.

ВСПЕТУШИ́ТЬСЯ *сов. прост.* қуруқланмоқ, қизишмоқ, қизишиб кетмоқ.

ВСПЛАКНУ́ТЬ *сов. о ком-чём разг.* йиғламсирамоқ, йиғлаб олмоқ, кўз ёши қилмоқ.

ВСПЛЕСК *м* 1 *по гл.* **всплёскивать** и **всплескиваться**; **~ вёсел** эшкакларнинг зарбидан сувнинг чайқалиши (шапиллаб кўтарилиб тушиши); 2 чайқалиб кўтарилиб тушаётган сув ва унинг шапиллаган (шовуллаган, шалп-шалп) овози; **мо́ре побеле́ло от ~ов** чайқалиб кўтарилиб тушаётган сувдан денгизнинг бети кўпикдай оқарди; **~и волн, бью́щихся о борт кора́бля** кема бортига урилаётган тўлқинларнинг шалп-шалп овози.

ВСПЛЕ́СКИВАТЬ *несов. см.* **всплесну́ть.**

ВСПЛЕ́СКИВАТЬСЯ, -ается *несов.* 1 *см.* **всплесну́ться**; 2 *страд. от* **всплёскивать.**

ВСПЛЕСНУ́ТЬ *сов.* и *однокр. (несов.* **всплёскивать**) шалп-шалп қилмоқ; шапиллатиб чайқатмоқ, сочмоқ; **ры́ба ~ла** балиқ шапиллатиб сувни чайқатди; ✦ **~ть рука́ми** чапак чалиб қўймоқ, қўлларини бир-бирига уриб бирор ҳиссиётни ифодаламоқ.

ВСПЛЕСНУ́ТЬСЯ, -нётся *сов. (несов.* **всплёскиваться**) чайқалмоқ, чайқалиб кўтарилиб тушмоқ, шалп-шалп этмоқ.

ВСПЛОШНУ́Ю *нареч. прост.* зич (муттасил) қоплаб, ёппасига, сидирғасига; **лёд шёл ~** муз сув бетини сидирғасига қоплаб оқиб келар (борар) эди.

ВСПЛЫВА́ТЬ *несов. см.* **всплыть.**

ВСПЛЫТИ/Е *с по гл.* **всплыть**; **подво́дная ло́дка гото́вилась к ~ю** сув ости кемаси сув юзига кўтарилишга тайёрланмоқда эди.

ВСПЛЫ́ТЬ, -выву́, -ывёшь *сов. (несов.* **всплыва́ть**) 1 сув юзига кўтарилмоқ, қалқиб чиқмоқ; 2 *перен.* очилмоқ, очилиб қолмоқ, кўринмоқ, намоён бўлмоқ.

ВСПОИ́ТЬ *сов. (несов.* **вспа́ивать**) *кого разг.* 1 сут бериб боқмоқ; **~ теля́нка** бузоқни сут бериб боқмоқ; 2 тарбияламоқ, тарбиялаб катта қилмоқ, вояга етказмоқ.

ВСПОЛАСКИВАТЬ *несов. см.* **всполосну́ть.**

ВСПОЛЗА́ТЬ *несов. см.* **всползти́.**

ВСПОЛЗТИ́, -зу́, -зёшь; -о́лз, -олзла́ *сов. (несов.* **вспола́ть**) ўрмалаб (эмаклаб, тирмашиб) чиқмоқ, кўтарилмоқ, чиқиб олмоқ.

ВСПОЛОСНУ́ТЬ *сов. (несов.* **вспола́скивать**) *что разг.* чайқамоқ, чайқаб олмоқ, чайқаб ташламоқ.

ВСПОЛО́Х *м обл.* 1 *уст.* саросима, бесаранжомлик, қий-чув, тўполон; 2 *мн.* **~и** шимол ёғдуси; 3 *мн.* **~и** *перен.* йироқда кўринган шуълалар, чақмоқлар.

ВСПОЛОШИ́/ТЬ *сов. кого-что разг.* бехосдан (бирдан) саросимага солмоқ, бесаранжом қилмоқ; саросимага солиб (бесаранжом қилиб) қўймоқ; **Среди́ но́чи произошло́ событие, кото́рое ~ло всю дере́вню** (Бубеннов) Тун ярмида юз берган ҳодиса бутун қишлоқни бирдан саросимага солиб қўйди.

ВСПОЛОШИ́ТЬСЯ *сов. разг.* бехосдан (бирдан) саросимага тушмоқ, бесаранжом бўлмоқ; саросимага тушиб (бесаранжом бўлиб) қолмоқ.

ВСПОМИНА́ТЬ *несов. см.* **вспо́мнить.**

ВСПОМИНА́ТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **вспо́мниться**; 2 *страд. от* **вспомина́ть.**

ВСПО́МНИТЬ *сов. (несов.* **вспомина́ть**) *кого-что, о ком-чём* эсламоқ, эсга олмоқ, ёдига келтирмоқ; хотирламоқ; **не могу́ ~ его́ и́мени** унинг номини эслай олмайман (олмаяпман); **~ слу́чай** (бир) воқеани эсламоқ; **~ о про́шлом** ўтмишни эсламоқ.

ВСПО́МНИ/ТЬСЯ *сов. (несов.* **вспомина́ться**) 1 эсга (хотирга) келмоқ, эсга (ёдга) тушмоқ; **мне ~лись пе́сни вое́нных** лет уруш йилларидаги ашулалар ёдимга тушди; 2 *уст.* и *обл.* ўзига келмоқ, ҳушига келмоқ.

ВСПОМОГАТЕЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое ёрдамчи, кўмакчи; **~ое су́дно** ёрдамчи кема; ✦ **~ый глаго́л** *грам.* кўмакчи феъл.

ВСПОМОЖЕ́НИЕ *с уст.* 1 ёрдамлашиш, кўмаклашиш; 2 ёрдам, моддий ёрдам, нафақа.

ВСПОМОЩЕСТВОВА́НИЕ *с книжн. уст. то же, что* **вспоможе́ние.**

ВСПОМОЩЕСТВОВА́ТЬ, -ствую́, -ствуе́шь *несов. кому-чему книжн. уст.* ёрдам бермоқ, ёрдам (кўмак) лашмоқ.

ВСПОМЯ́Н/УТЬ, -яну́, -я́нешь *сов. (несов.* **вспомина́ть**) *кого-что, о ком-чём разг. то же, что* **вспомина́ть; ~й моё сло́во** менинг сўзимни (гапларимни) эсла (ёдингда тут).

ВСПОРО́/ТЬ, -орю́, -о́решь *сов. (несов.* **вспа́рывать**) *что разг.* сўкмоқ, тилмоқ, ёрмоқ; сўкиб (ёки тилиб, ёриб) ташламоқ; **~ть мешо́к** қопни сўкмоқ (ёки тилмоқ, ёрмоқ); **Заксо́р доста́л нож и си́льным уда́ром ~л брю́хо зве́рю** (Лидин) Заксор пичоғини олди-да, зарб билан уриб ҳайвоннинг қорнини ёриб ташлади.

ВСПО́РХНУ/ТЬ *сов. (несов.* **вспа́рхивать**) пириллаб учмоқ, пир этиб учмоқ (учиб кетмоқ); **пти́чка ~ла с ве́тки** қушча шохдан пир этиб учиб кетди.

ВСПОТЕ́/ТЬ *сов. (несов.* **поте́ть**) 1 терламоқ, терлаб кетмоқ, тер босмоқ, терга ботмоқ; **~ть от духоты́** дим ҳавода (жойда) терлаб кетмоқ; 2 терламоқ, телчирамоқ; **очки́ ~ли от хо́лода** совуқда кўзойнак телчираб қолди.

ВСПРЫГИВАТЬ *несов. см.* **вспры́гнуть.**

ВСПРЫГНУ/ТЬ *сов. (несов.* **вспры́гивать**) *на кого-что* сакраб (ирғиб) чиқмоқ, сакраб (ирғиб) чиқиб (ёки миниб) олмоқ; **~ть на коня́** отга ирғиб миниб олмоқ; **ко́шка ~ла на подоко́нник** мушук дераза токчасига сакраб чиқди (ирғиб чиқиб олди).

ВСПРЫСКИВАНИЕ *с* 1 *по гл.* **вспры́скивать**; **~ белья́** кирга сув пуркаш; 2 *разг.* тери остига дори юбориш.

ВСПРЫ́СКИВАТЬ *несов. см.* **вспры́снуть.**

ВСПРЫСНУТЬ *сов. (несов.* **вспры́скивать**) *что* пуркамоқ, пуркатиб сепмоқ; **~ бельё** кирга сув пуркамоқ; 2 *разг. то же, что* **впры́снуть**; 3 *перен. разг. шутл.* ювмоқ, эримоқ; **~ поку́пку** харидни ювмоқ.

ВСПРЯДЫВАТЬ *несов. см.* **вспря́нуть.**

ВСПРЯНУТЬ *сов. (несов.* **вспря́дывать**) *уст.* 1 дик этиб ўрнидан турмоқ, ирғиб турмоқ; сапчиб тушмоқ (кетмоқ); 2 *перен.* жонланмоқ, ҳаракатга келмоқ; ✦ **~ от сна** *уст.* уйғонмоқ, кўзни очмоқ, кўзи очилмоқ.

ВСПУГИВАТЬ *несов. см.* **вспугну́ть.**

ВСПУГНУ́ТЬ *сов. (несов.* **вспу́гивать**) *кого-что* қўрқитмоқ, ҳуркитмоқ, чўчитмоқ; қўрқитиб (ҳуркитиб, чўчитиб) юбормоқ; **~ пти́цу** қушни чўчитиб юбормоқ.

ВСПУЗЫРИВАТЬСЯ *разг. несов. см.* **вспузы́риться.**

ВСПУЗЫРИ/ТЬСЯ *сов. (несов.* **вспузы́риваться**) *разг.* пуфак бўлиб чиқмоқ, пуфакча(лар) билан қопланмоқ; **ре́чка ~лась от дождя́** ёмғирдан дарё бети пуфакчалар билан қопланди; ёмғирда дарё бети пуфак-пуфак бўлиб чиқди.

ВСПУХА́ТЬ, -а́ет *несов. см.* **вспу́хнуть.**

ВСПУХ/НУТЬ, -нет; вспух, -ла *сов. (несов.* **вспуха́ть**) шишмоқ, бўртмоқ, қавариб (шишиб) чиқмоқ (кетмоқ); **ушибленное ме́сто ~ло** лат еган жой шишиб кетди.

ВСПУ́ЧИВАНИЕ *с по гл.* **вспу́чивать и вспу́чиваться.**

ВСПУ́ЧИВАТЬ *несов. см.* **вспу́чить.**

ВСПУ́ЧИВАТЬСЯ, -ается *несов.* 1 *см.* **вспу́читься**; 2 *страд. от* **вспу́чивать.**

ВСПУ́ЧИ/ТЬ, -ит *сов. (несов.* **вспу́чивать**) *что разг.* шиширмоқ, бўрттирмоқ, қавартирмоқ; **живо́т ~ло** қорин шишди (шишиб кетди, қаппайди).

www.ziyouz.com kutubxonasi

ВЫБРИ́ТЬСЯ, -реюсь, -реешься *сов. (несов.* **выбрива́ться**) қиринмоқ, соқолини олмоқ; соч-соқолини олдирмоқ (устарада).

ВЫБРОДИ́ТЬ I, -ожу, -одишь *сов. что разг.* кезиб (айланиб) чиқмоқ, дайдиб ҳамма ёқни кўрмоқ.

ВЫБРОДИ́/ТЬ II, -ит *сов.* ачиб (бижғиб) бўлмоқ, қиёмига етмоқ; **пи́во** ~**ло** пиво ачиб (бижғиб) қиёмига етди.

ВЫБРОДИ́ТЬСЯ *сов. то же, что* **вы́бродить** II.

ВЫ́БРОС *м* 1 *по гл.* **вы́бросить;** ~ **ла́вы из вулка́на** вулкандан лаванинг отилиб чиқиши; 2 отилган (улоқтирилган) нарса.

ВЫ́БРОСАТЬ *сов. прост. что* ташламоқ.

ВЫ́БРОСИТЬ, -ошу, -осишь *сов. (несов.* **выбра́сывать**) 1 *кого-что* ташламоқ, отмоқ, ирғитмоқ, ташлаб юбормоқ; чиқариб ташламоқ; ~ **за окно́** ойнадан ташлаб (отиб) юбормоқ; ~ **му́сор** ахлатни чиқариб ташламоқ; 2 *безл. кого-что* чиқариб (ирғитиб) ташламоқ (тўлқин, бўрон билан); **волно́й вы́бросило ло́дку на бе́рег** тўлқин қайиқни қирғоққа чиқариб (ирғитиб) ташлади; 3 *перен. что разг.* чиқариб (ўчириб) ташламоқ, туширмоқ; ~ **строку́** бир сатрни чиқариб ташламоқ; 4 *перен. что разг.* совурмоқ, беҳуда сарф қилмоқ; ~ **де́ньги на ве́тер** пулни шамолга совурмоқ (сувга ташламоқ); 5 *что* (шиддат билан, силтаб) узатмоқ, кўтармоқ, отмоқ; ~ **ру́ку впра́во** қўлни силтаб ўнгга узатмоқ; ~ **винто́вку вперёд** милтиқни шиддат билан олдинга отмоқ; 6 *что* кўтармоқ, туширмоқ, ташламоқ; ~ **бе́лый флаг** оқ байроқ (кўтармоқ) ташламоқ; ~ **я́корь** лангар ташламоқ; 7 *кого-что* олдинга (ёки бирор томонга) ташламоқ, юбормоқ; ~ **развёдку** разведка юбормоқ; 8 *что* чиқармоқ; ~ **росто́к нару́жу** бачки шох чиқармоқ; 9 *что разг.* сотувга чиқармоқ, ташламоқ; ~ **това́р** сотувга мол чиқармоқ; ✦ ~ **из головы́** (**или из се́рдца, из па́мяти**) миясидан (юрагидан, эсидан, хаёлидан) чиқариб юбормоқ; ~ **ло́зунг** шиор ташламоқ; ~ **за борт** *см.* **борт;** ~ **на у́лицу** *кого* 1 бошқа жой бермасдан турар жойидан чиқариб юбормоқ; кўчага ҳайдамоқ (ҳайдаб, ташлаб қўймоқ); 2 тирикчилик воситаларидан, маош (иш ҳақи)дан маҳрум қилмоқ.

ВЫБРОСИ́ТЬСЯ, -ошусь, -осишься *сов. (несов.* **выбра́сываться**) 1 ташланмоқ, ўзини отмоқ; ~ **из окна́** деразадан ўзини ташламоқ; ~ **на парашю́тах** парашютда ташламоқ, парашют билан тушмоқ (сакрамоқ); 2 отилиб чиқмоқ.

ВЫБРОСКА *ж по гл.* **вы́бросить; механи́ческая** ~ **земли́** тупроқни механик усулда олиб отиш (чиқариб ташлаш).

ВЫБРЫЗГАТЬ *сов. (несов.* **выбры́згивать**) *что* сачратмоқ, пуркатмоқ; сепиб йўқ қилмоқ, пуркаб одоқ қилмоқ.

ВЫБРЫЗГИВАТЬ *несов. см.* **вы́брызгать** и **вы́брызнуть.**

ВЫБРЫЗНУТЬ *сов.* и *однокр. что* и *без доп.* сачратиб (пуркатиб) юбормоқ; сачратиб сепмоқ; тўкиб (сочиб) ташламоқ.

ВЫБРЫЗНУ́ТЬСЯ, -нется *сов.* и *однокр.* сачрамоқ, отилмоқ, сочилмоқ.

ВЫБУ́РИВАТЬ *несов. см.* **вы́бурить.**

ВЫБУ́РИТЬ *сов. (несов.* **выбу́ривать**) *что* бурғиламоқ, ковламоқ, бурғилаб бўлмоқ, бурғилаб қўймоқ.

ВЫБЫВА́ТЬ *несов. см.* **вы́быть.**

ВЫ́БЫТЬ, -буду, -будешь *сов. (несов.* **выбыва́ть**) 1 чиқиб кетмоқ; жўнаб кетмоқ; ~ **из го́рода** шаҳардан чиқиб (ёки жўнаб) кетмоқ; 2 сафдан (қатордан, рўйхатдан ва ҳ. к.) чиқмоқ; чиқиб кетмоқ, ўчмоқ; ~ **из игры́** ўйиндан чиқиб кетмоқ; ~ **из спи́ска** рўйхатдан ўчмоқ; ✦ ~ **из стро́я** сафдан (ишдан) чиқмоқ.

ВЫВА́ЛИВАТЬ I *несов. см.* **вы́валить.**

ВЫВА́ЛИВАТЬ II *несов. см.* **вы́валять.**

www.ziyouz.com kutubxonasi

ВЫВАЛИВАТЬСЯ I *несов.* 1 *см.* **вы́валиться**; 2 *страд. от* **выва́ливать** I.

ВЫВАЛИВАТЬСЯ II *несов.* 1 *см.* **вы́валяться**; 2 *страд. от* **выва́ливать** II.

ВЫВАЛИТЬ *сов. (несов.* **выва́ливать** 1) 1 *что разг.* ағдармоқ, тўкмоқ, ағнатмоқ, тўкиб ташламоқ, ағдариб юбормоқ; ~ **песо́к из та́чки** замбилдаги қумни тўкмоқ (ағдариб ташламоқ); 2 *прост.* тўдалашиб (дувуллашиб, ёпирилишиб) чиқмоқ, бир тўда бўлиб чикмоқ.

ВЫВАЛИ/ТЬСЯ *сов. (несов.* **выва́ливаться** I) 1 *разг.* тўкилиб кетмоқ; тушиб кетмоқ (қолмоқ); йиқилиб (ағнаб) тушмоқ; **мешо́к** ~**лся из теле́ги** аравадан қоп тушиб кетди; **птене́ц** ~**лся из гнезда́** қушнинг боласи инидан тушиб кетибди; 2 *прост. то же, что* **вы́валить** 2.

ВЫВАЛЯТЬ *сов. (несов.* **выва́ливать** II) *кого-что прост.* думалатиб олмоқ, булғаб (белаб) олмоқ; беламоқ, булғамоқ; ~ *кого-л.* **в снегу́** қорга думалатмоқ, қорга беламоқ (булғамоқ); ~ **в грязи́** лойга булғамоқ.

ВЫВАЛЯТЬСЯ *сов. (несов.* **выва́ливаться** II) *прост.* йиқилиб (ёки думалаб) қорилмоқ, беланмоқ, булғанмоқ; ~ **в песке́** думалаб қумга беланмоқ.

ВЫВА́РИВАТЬ *несов. см.* **вы́варить.**

ВЫВАРИВАТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **вы́вариться**; 2 *страд. от* **выва́ривать.**

ВЫВАРИТЬ *сов. (несов.* **выва́ривать**) *что* 1 қайнатиб ажратиб олмоқ, қайнатиб чиқармоқ; ~ **соль из морско́й воды́** денгиз сувини қайнатиб тузини олмоқ; ~ **жир из косте́й** сўнгакларни қайнатиб ёғини олмоқ; 2 обдан қайнатиб (қайнатавериб) жирини, маза-матрасини қочирмоқ; ~ **мя́со** гўштни обдан қайнатиб жирини олмоқ; гўштни қайнатавериб маза-матрасини қочирмоқ.

ВЫВАРИ/ТЬСЯ, -ится *сов. (несов.* **выва́риваться**) обдан қайнаб (қайнатилавериб) жири сувга чиқмоқ, маза-матраси қочмоқ; **мя́со** ~**лось** гўшт қайнатилавериб жири (маза-матраси) сувга (шўрвага) чиқиб кетди; қайнайвериб гўштнинг мазаси қолмади.

ВЫВАРКА *ж по гл.* **вы́варить** 1; ~ **со́ли** қайнатиб тузини олиш.

ВЫВАРКИ *мн., р.* **-рок** *спец.* қайнатиб олинган нарса қолдиғи, қуйқаси; **медо́вые** ~ асал қуйқаси; **стеклоплави́льные** ~ эритилган шиша қолдиқлари.

ВЫВАРНО́Й, -а́я, -о́е *спец. то же, что* **вы́варочный.**

ВЫВАРОЧН/ЫЙ, -ая, -ое *спец.* 1 қайнатиб олинган; ~**ая соль** қайнатиб олинган туз; 2 қайнатиш учун ишлатиладиган (белгиланган), қайнатиладиган; қайнатиш...; ~**ый котёл** қайнатиладиган қозон, қайнатиш қозони.

ВЫВЕВА́ТЬ *несов. см.* **вы́веять.**

ВЫВЕДАТЬ *сов. (несов.* **выве́дывать**) *что разг.* суриштириб билмоқ, тагига етмоқ; ўсмоқчилаб билиб олмоқ; ~ *чьи-л.* **наме́рения** кимсанинг ниятларини ўсмоқчилаб билиб олмоқ; ~ **но́вости** суриштириб янгиликларни билиб олмоқ.

ВЫВЕ́ДЫВАТЬ *несов. см.* **вы́ведать.**

ВЫВЕЗТИ, -зу, -зешь; вы́вез, -ла *сов. (несов.* **вывози́ть**) *кого-что* 1 ортиб олиб кетмоқ, ташиб чиқмоқ (чиқармоқ, олиб чиқмоқ); ~ **хлеб с по́ля** буғдойни (ғаллани) даладан ташиб чиқармоқ (ташиб олиб кетмоқ, ташиб қўймоқ); 2 олиб келмоқ, олиб бормоқ; келтирмоқ; ~ **о́вощи на ры́нок** бозорга сабзавот олиб бормоқ (келтирмоқ); 3 *перен. разг.* қутқармоқ, халос қилмоқ, чиқармоқ; **меня́ вы́вез счастли́вый слу́чай** бахтли бир ҳодиса мени қутқариб қолди; бахтдан бўлиб қутулиб қолдим; ✦ ~ **на себе́** (или **на свои́х плеча́х** и т. п.) ҳамма оғирликни ўзи кўтармоқ, бутун оғирликни ўз устига олмоқ; ~ **в свет** *уст.* юзага чиқармоқ, жамиятга (жамоатга) таништирмоқ.

ВЫВЕЗТИСЬ, -зусь, -зешься *сов. (несов.* **вывози́ться** 1) *прост.* ўзи билан бирга ҳамма нарсани олиб кетмоқ.

ВЫВЕ́ИВАТЬ *несов. см.* **вы́веять.**

ВЫВЕРИТЬ *сов. (несов.* **выверя́ть**) *что* солиштириб чиқмоқ, тўғрилигини текширмоқ, текшириб (солиштириб) тўғриламоқ; ~ **часы́** соатни тўғриламоқ; соатларни бир-бирига тўғрилаб олмоқ; ~ **спи́ски избира́телей** сайловчиларнинг рўйхатини текшириб чиқмоқ.

ВЫВЕ́РКА *ж разг. по гл.* **вы́верить**; ~**весо́в** тарозини текшириш, тарозини тўғрилаш.

ВЫВЕРНУТЫ/Й, -ая, -ое 1 *прич. от* **вы́вернуть**; 2 *в знач. прил.* қайрилган, чиққан, чиқиб кетган; ~**е но́ги** қайрилиб кетган (ёки чиққан) оёқлар.

ВЫВЕРНУТЬ *сов. (несов.* **вывёртывать** и **выворáчивать**) *что* 1 бураб чиқармоқ, бўшатмоқ; бураб чиқариб олмоқ; ~ **ла́мпочку** лампочкани бураб чиқармоқ; 2 қўпормоқ, қўпориб юбормоқ; таги билан суғуриб (ағдариб) ташламоқ; **бу́ря вы́вернула дере́вья** бўрон дарахтларни ағдариб ташлади; 3 *разг.* бураб (қайириб) юбормоқ; чиқармоқ, майиб қилмоқ; 4 тескарисини ағдармоқ; ~ **карма́ны** чўнтакларнинг тескарисини ағдармоқ; ~ **наизна́нку** тескарисини, авра-астарини ағдармоқ; 5 *то же, что* **вы́вернуться** 5.

ВЫВЕРНУ/ТЬСЯ *сов. (несов.* **вывёртываться** и **выворáчиваться**) 1 *разг.* буралиб чиқмоқ, бўшамоқ; буралиб бўшаб қолмоқ (чиқиб кетмоқ); **болт** ~**лся** болт буралиб чиқиб кетди (кетибди); 2 *разг.* буралиб (қайрилиб) кетмоқ; чиқмоқ, майиб бўлмоқ; **нога́** ~**лась** оёғи(м) қайрилиб кетди, оёғи майиб бўлди; 3 тескариси ағдарилмоқ; 4 эпчиллик билан чиқиб кетмоқ, чап бериб қутулиб қолмоқ; 5 *разг.* муюлишдан чиқиб қолмоқ, тўсатдан пайдо бўлмоқ; **из-за угла́** ~**лась легкова́я маши́на** муюлишдан бирдан енгил машина чиқиб қолди.

ВЫВЕРТ *м разг.* 1 ғайритабиий ҳаракат; **танцева́ть с** ~**ами** ғайритабиий ҳаракатлар қилиб рақс тушмоқ; 2 *перен.* ажиб (ғалати) қилиқ; **слове́сные** ~**ы** ғалати гаплар.

ВЫВЕРТЕТЬ, -рчу, -ртишь *сов. (несов.* **вывёртывать**) *что разг. то же, что* **вы́вернуть** 1.

ВЫВЁРТЫВАТЬ *несов. см.* **вы́вернуть** и **вы́вертеть.**

ВЫВЁРТЫВАТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **вы́вернуться**; 2 *страд. от* **вывёртывать.**

ВЫВЕРЯТЬ *несов. см.* **вы́верить.**

ВЫВЕСИТЬ I, -ешу, -есишь *сов. (несов.* **выве́шивать** I) *что* 1 осмоқ, ёймоқ; осиб (ёйиб) қўймоқ; ~ **бельё** кирни осмоқ, кирни ёйиб қўймоқ; ~ **фла́ги** байроқларни осмоқ (илиб қўймоқ); 2 осмоқ, ёпиштирмоқ; осиб (ёпиштириб) қўймоқ; ~ **на стене́ объявле́ние** деворга эълон осмоқ, эълонни деворга ёпиштириб қўймоқ; ~ **спи́ски избира́телей** сайловчилар рўйхатини осмоқ (осиб қўймоқ).

ВЫВЕСИТЬ II, -ешу, -есишь *сов. (несов.* **выве́шивать** II) *что* 1 тортиб кўрмоқ, тортиб текширмоқ, оғирлигини ўлчамоқ (аниқламоқ); ~ **ги́ри** тарози тошларини текшириб кўрмоқ; ~ **та́ру** идишни тортмоқ, идишни тортиб кўрмоқ; 2 тарози паллаларини тўғриламоқ, мувозанатга келтирмоқ.

ВЫВЕСК/А 1 *ж, р. мн.* **-сок** 1 вивеска; ~**а магази́на** магазин вивескаси; 2 *перен.* ниқоб, парда, вивеска; **под** ~**ой** *чего-л.* ниқоби остида; **Во всём э́том я должна́ уча́ствовать в ка́честве краси́вой** ~**и** (Куприн) Бу ишларнинг ҳаммасида мен савлат учун қатнашмоғим керак.

ВЫВЕСКА II *ж по гл.* **вы́весить** II; ~ **гирь** тарози тошларини текшириб кўриш; ~ **та́ры** идишни тортиб (текшириб) кўриш.

ВЫВЕСТИ, -еду, -едешь *сов. (несов.* **выводи́ть**) 1 *кого-что* олиб чиқмоқ, олиб чиқиб кетмоқ; ~ **дете́й на прогу́лку** болаларни сайрга олиб чиқмоқ; ~ **войска́ из го́рода** қўшинни шаҳардан олиб чиқиб кетмоқ; 2 *кого* чиқармоқ; ўчирмоқ; чиқариб (ўчириб) юбормоқ; ~ **из соста́ва президиума** президиум составидан ўчирмоқ (чиқармоқ); 3 *кого-что* етаклаб чиқмоқ, бошлаб олиб чиқмоқ; чиқармоқ; ~ **по́д руку** қўлтиғидан ушлаб олиб чиқмоқ; **тропи́нка вы́вела на большу́ю доро́гу** сўқмоқ катта йўлга олиб чиқди; ~ **спу́тник на орби́ту** сунъий йўлдошни орбитага чиқармоқ; 4 *что* бирор ҳолатдан чиқармоқ; ~ **из проры́ва** ўпирилишдан чиқармоқ; ~ **из состоя́ния поко́я** *физ.* тинч ҳолатдан чиқармоқ; ~ **самолёт из што́пора** самолётни штопордан чиқармоқ; 5 *что* чиқармоқ; бирор хулосага келмоқ; ~ **фо́рмулу** формула чиқармоқ; ~ **заключе́ние** хулоса чиқармоқ; 6 *кого* очирмоқ; бола очмоқ; ~ **цыпля́т** жўжа очирмоқ; жўжаларни очиб чиқмоқ; 7 *кого-что* яратмоқ, етиштирмоқ; ~ **но́вую поро́ду скота́** молнинг янги зотини яратмоқ; 8 *что* қурмоқ, тикламоқ, кўтармоқ, барпо қилмоқ; ~ **сте́ны зда́ния** бино деворларини кўтармоқ; 9 *кого-что* ўлдирмоқ; йўқ қилмоқ, қирмоқ; ~ **пя́тна** доғларни йўқ қилмоқ; ~ **мыше́й** сичқонларни йўқотмоқ (қирмоқ); ~ **сорня́ки** бегона ўтларни йўқотмоқ; 10 *что* диққат билан ёзмоқ, чизмоқ, чиқармоқ; ~ **бу́кву** ҳарфни диққат билан ёзмоқ; 11 *кого-что* тасвири-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ни бермоқ, чиқармоқ; тасвирламоқ; ~ *кого-л.* **в** рассказе ҳикояда бирор кимсанинг тасвирини бермоқ; ✦ ~ **балл** (или **отметку**) баҳо (ёки балл) қўймоқ; ~ **в люди** *кого* бирор мавқе (ўрин), мартабани эгаллашда кимсага ёрдам бермоқ; ~ **наружу** *что* ташқарига чиқармоқ, ошкор қилмоқ, очиб ташламоқ; ~ **из себя** жаҳлини чиқариб юбормоқ, қонини қайнатмоқ; ~ **из терпения** сабр косасини тўлдирмоқ, тоқатини тоқ қилмоқ; ~ **на дорогу** йўлга олиб чиқмоқ; ~ **на чистую** (или свежую) **воду** *см.* **вода**.

ВЫВЕ/СТИСЬ, **-едется** *сов.* (*несов.* **выводиться**) 1 йўқолмоқ, йўқ бўлиб кетмоқ; **пятно ~лось** доғ йўқолди (кетди); **моль ~лась** куя йўқолди (йўқ бўлиб кетди); 2 оёқдан қолмоқ, истеъмолдан чиқмоқ, йўқолмоқ, қолиб кетмоқ; эскирмоқ; **старые обычаи ~лись** эски одатлар қолиб кетди; 3 тухумдан чиқмоқ, очиб чиқмоқ; **птенцы ~лись** палапон (жиш)лар тухум ёриб чиқди, қушнинг болалари тухумдан чиқди.

ВЫВЕТРЕТЬ *сов.* 1 *прост.* шамолда учиб (тарқалиб) кетмоқ, шамоллаб қуримоқ; 2 *геол.* емирилмоқ, нурамоқ (шамол, атмосфера таъсирида).

ВЫВЕТРИВАНИЕ *с по гл.* **выветривать** 1 и **выветриваться** 2; ~ **запаха нафталина** нафталин ҳидининг шамолда учиб (тарқалиб) кетиши; ~ **горных пород** тоғ жинсларининг нураши.

ВЫВЕТРИВАТЬ *несов. см.* **выветрить**.

ВЫВЕТРИТЬ *сов.* (*несов.* **выветривать**) *что* 1 шамоллатмоқ, шамоллатиб йўқотмоқ, тарқатмоқ, тозаламоқ; ~ **табачный дым (из комнаты)** (уйдаги) тамаки ҳидини шамоллатиб тозаламоқ; 2 нуратмоқ, емирмоқ; **выветренные скалы** нураган (емирилган) қоялар.

ВЫВЕТРИ/ТЬСЯ, **-ится** *сов.* (*несов.* **выветриваться**) 1 шамолда (шамоллаб) йўқ бўлмоқ, тарқалмоқ, тозаланмоқ; **угар ~лся** шамолда ис ҳиди кетди; 2 *геол.* нурамоқ, емирилмоқ; ~ **вшиеся горные породы** нураган тоғ жинслари; 3 *перен.* унутилмоқ, хаёлдан (ёддан) кўтарилмоқ; ~**ться из памяти** хаёлдан кўтарилмоқ; ~**ться из головы** эсидан чиқмоқ; ёддан кўтарилмоқ.

ВЫВЕШИВАТЬ I *несов. см.* **вывесить** I.

ВЫВЕШИВАТЬ II *несов. см.* **вывесить** II.

ВЫВЕШИВАТЬ III *несов. см.* **вывешить**.

ВЫВЕШИТЬ *сов.* (*несов.* **вывешивать** III) *что* қозиқ қоқиб йўлни белгиламоқ (кўрсатмоқ).

ВЫВЕЯТЬ *сов.* (*несов.* **вывевать** и **вывеивать**) *что* совуриб (шопириб) тозалаб олмоқ (қўймоқ); ~ **пшеницу** буғдойни совуриб тозалаб олмоқ (қўймоқ).

ВЫВИНТИТЬ, **-нчу**, **-нтишь** *сов.* (*несов.* **вывинчивать**) *что* бураб чиқармоқ; бўшатмоқ; ~ **гайку** гайкани бураб чиқармоқ (бўшатмоқ).

ВЫВИНТИ/ТЬСЯ, **-ится** *сов.* (*несов.* **вывинчиваться**) буралиб чиқмоқ, буралиб бўшаб қолмоқ; **лампочка ~лась** лампочка буралиб чиқди (чиқиб кетибди).

ВЫВИНЧИВАТЬ *несов. см.* **вывинтить**.

ВЫВИНЧИВАТЬСЯ, **-ается** *несов.* 1 *см.* **вывинтиться**; 2 *страд. от* **вывинчивать**.

ВЫВИХ *м* 1 тойиш, чиқиш; ~ **ноги** оёқнинг чиқиши; 2 чиқиқ (суяк чиққан, тойган жой); **вправить** ~ чиқиқни (чиққан жойни) ўрнига солмоқ; 3 *перен. разг.* қинғайиш, адашиш, тойиниш, хатолик; **теоретические ~и** назарий (назарияда йўл қўйилган) хатоликлар, назариядаги тойинишлар.

ВЫВИХИВАТЬ *несов. см.* **вывихнуть**.

ВЫВИХНУ/ТЬ *сов.* (*несов.* **вывихивать**) *что* чиқармоқ, ўрнидан қўзғатмоқ; **он ~л ногу** унинг оёғи чиқиб кетди.

ВЫВИХНУ/ТЬСЯ, **-нется** *сов. разг.* чиқмоқ, тоймоқ, чиқиб кетмоқ; **палец ~лся** бармоқ чиқиб кетди (кетибди).

ВЫВОД *м* 1 *по гл.* **выводить — вывести** 1—7; 2 хулоса, натижа; **правильный** ~ тўғри хулоса; **прийти к ~у** хулосага (фикрга) келмоқ; 3 *тех.* тармоқланиб чиқиш жойи, қурилмаси; қулоқ.

ВЫВОДИТЬ, **-ожу**, **-одишь** *несов. см.* **вывести**.

ВЫВОДИТЬСЯ, **-одится** *несов.* 1 *см.* **вывестись**; 2 *страд. от* **выводить**.

ВЫВОДК/А *ж разг.* 1 *по гл.* **выводить** 7, 9; ~**а черных пятен** сиёҳ доғларини йўқотиш; 2 *спец.* **отларни** яйратиш (ёки кўрикка олиб чиқиш); **подготовить лошадей к ~е** отларни кўрикка олиб чиқиш учун тайёрламоқ.

ВЫВОДН/ОЙ, **-ая**, **-ое** ташқарига чиқадиган (чиқариладиган); чиқариш...; ~**ая труба** чиқариш трубаси; ~**ые борозды** сув чиқарадиган жўяклар.

ВЫВОДОК *м, р.* **-дка** ҳайвон ёки парранданинг онасидан ажралмаган болалари; ~ **цыплят** она товуқдан ажралмаган жўжалар; **лисий** ~ онасидан ажралмаган тулки болалари.

ВЫВОЗ *м* 1 *по гл.* **вывозить — вывезти** 1, 2; ~ **имущества** мол-мулкни олиб кетиш; 2 *эк.* четга чиқарилган мол; четга мол чиқариш; экспорт; ~ **и ввоз** четга мол чиқариш ва четдан мол олиш.

ВЫВОЗИТЬ, **-ожу**, **-озишь** *сов. кого-что прост.* булғамоқ, беламоқ, қормоқ; ~ **платье в грязи** кўйлакни лойга беламоқ.

ВЫВОЗИТЬ, **-ожу**, **-озишь** *несов. что* 1 *см.* **вывезти**; 2 четга (ташқи бозорга) чиқармоқ, экспорт қилмоқ; ~ **товары промышленного производства** саноат молларини экспорт қилмоқ.

ВЫВОЗИТЬСЯ, **-ожусь**, **-озишься** *сов. прост.* булғанмоқ; беланмоқ; қорилмоқ; ~ **в грязи** лойга беланмоқ.

ВЫВОЗИТЬСЯ, **-озится** *несов.* 1 *см.* **вывезтись**; 2 *страд. от* **вывозить**.

ВЫВОЗКА *ж по гл.* **вывезти** 1, 2 — **вывозить**; ~ **леса** ёғочларни ташиб чиқиш (чиқариш); ~ **удобрений на поля** далага ўғит чиқариш.

ВЫВОЗН/ОЙ, **-ая**, **-ое** 1 ташишга (олиб чиқишга) оид; ташиш...; олиб чиқиш...; 2 четга мол чиқаришга оид; ~**ая пошлина** четга чиқариладиган мол учун тўланадиган божи, ҳақ.

ВЫВОЛАКИВАТЬ *несов. см.* **выволочь**.

ВЫВОЛОЧК/А *ж прост.* 1 *по гл.* **выволочь**; 2 сочидан судраб уриш, сочидан тортиб юмма талаш; **задать ~у** сочидан тортиб юмма таламоқ.

ВЫВОЛОЧЬ, **-локу**, **-лочешь**; **выволок**, **-ла** *сов.* (*несов.* **выволакивать**) *кого-что разг.* судраб олиб чиқмоқ, судраб тортиб чиқармоқ; ~ **мешок из амбара** қопни омбордан судраб чиқармоқ (чиқмоқ).

ВЫВОРАЧИВА/ТЬ *несов. см.* **выворотить**; ✦ ~**ть душу** *кого, чью* ич-ичидан ачинтирмоқ, юрагини эзмоқ, куйдирмоқ; ~**ть душу** (наизнанку) *перед кем* бутун дилидагини айтмоқ, ёрилиб гапирмоқ, тўкиб солмоқ; ~**ть наизнанку** бутунлай тескарисини (аксини) айтмоқ; бутунлай бошқача қилиб кўрсатмоқ; ~**ет наизнанку** *кого прост.* кўнглини ағдаряпти; ичидаги бор-йўғини олиб тушяпти (ёки қайт қилиб ташлаяпти).

ВЫВОРАЧИВАТЬСЯ, **-ается** *несов.* 1 *см.* **выворотиться**; 2 *страд. от* **выворачивать**; ✦ ~ **наизнанку** *перед кем то же, что* **выворачивать душу** *перед кем*; *см.* **выворачивать**.

ВЫВОРОТ *м мед.* ағдарилиб (тескари бўлиб) қолиш.

ВЫВОРОТИТЬ, **-очу**, **-отишь** *сов.* (*несов.* **выворачивать**) *что* 1 ағдармоқ, остин-устин қилмоқ, қўпориб ташламоқ; ~ **лопатой землю** ерни бел билан ағдармоқ; ~ **камень из земли** ердан тошни қўпориб олмоқ; 2 *разг.* ағдармоқ, тўнкармоқ; ағдариб (тўнкариб) юбормоқ; қийшайтирмоқ, оғдирмоқ; ~ **бричку набок** аравани ёнига ағдармоқ (ён томонга ағдариб юбормоқ); 3 *разг.* тескарисини ағдармоқ; 4 *разг.* қайирмоқ, майиб қилмоқ; ~ **руки назад** қўлларини орқасига қайирмоқ.

ВЫВОРОТИТЬСЯ, **-ится** *сов.* (*несов.* **выворачиваться**) *разг.* 1 ағдарилмоқ, остин-устин бўлмоқ, қўпорилмоқ; 2 тескариси ағдарилмоқ; ичи ағдарилмоқ.

ВЫВЯЗАТЬ, **-яжу**, **-яжешь** *сов.* (*несов.* **вывязывать**) *что* 1 *разг.* тўқимоқ, тўқиб қўлдан чиқармоқ (тайёрламоқ); ~ **узор** гул тўқимоқ; 2 *прост.* тўқиш билан бирор миқдор пул ишламоқ (топмоқ).

ВЫВЯЗЫВАТЬ *несов. см.* **вывязать**.

ВЫВЯЛИВАТЬ *несов. см.* **вывялить**.

ВЫВЯЛИВАТЬСЯ, **-ается** *несов.* 1 *см.* **вывялиться**; 2 *страд. от* **вывяливать**.

ВЫВЯЛИТЬ *сов.* (*несов.* **вывяливать**) *кого-что* қуритмоқ, қоқламоқ; сур қилмоқ; қуритиб (қоқлаб, сур қилиб) қўймоқ; ~ **рыбу** балиқни қуритмоқ; балиқни қоқлаб (сур қилиб) қўймоқ.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ВЫВЯЛИТЬСЯ, -ится *сов.* қоқланмоқ, сур бўлмоқ.

ВЫГАДА/ТЬ *сов.* (*несов.* **выга́дывать**) *что* фойда қилмоқ, наф кўрмоқ, ютмоқ; ~**ть вре́мя** вақтдан ютмоқ.

ВЫГАДЫВАТЬ *несов. см.* **вы́гадать.**

ВЫГИБ *м* тирсак, букик, эгилган ёки қайрилган жой.

ВЫГИБА́ТЬ *несов. см.* **вы́гнуть.**

ВЫГИБА́ТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **вы́гнуться**; 2 *страд. от* **выгиба́ть.**

ВЫГЛАДИ́ТЬ, -ажу, -адишь *сов.* (*несов.* **выгла́живать**) *что* 1 текисламоқ, силлиқламоқ; текислаб (силлиқлаб) қўймоқ; 2 дазмол босмоқ, дазмолламоқ, дазмоллаб қўймоқ.

ВЫГЛАДИ́ТЬСЯ, -ится *сов.* (*несов.* **выгла́живаться**) текисланмоқ, силлиқланмоқ; текис (силлиқ) бўлиб қолмоқ.

ВЫГЛА́ЖИВАТЬ *несов. см.* **вы́гладить.**

ВЫГЛА́ЖИВАТЬСЯ, -ается *несов.* 1 *см.* **вы́гладиться**; 2 *страд. от* **выгла́живать.**

ВЫГЛОДА́ТЬ, -ожу, -ожешь *сов. что разг.* ғажиб (кемириб) еб қўймоқ; кемириб тозаламоқ (топ-тоза қилмоқ).

ВЫГЛЯДЕ́ТЬ I, -яжу, -ядишь *сов.* (*несов.* **выгля́дывать** I) *кого-что прост.* 1 кўз остига олиб қўймоқ, танлаб қўймоқ; 2 синчиклаб ҳамма ёқни (ҳамма нарсани) кўрмоқ, кўздан кечирмоқ.

ВЫГЛЯДЕ́ТЬ II, -яжу, -ядишь *несов.* бирор кўринишга эга бўлмоқ, кўринмоқ; ~ **хорошо́** кўриниши яхши бўлмоқ.

ВЫГЛЯДЫВАТЬ I *несов. см.* **вы́глядеть** I.

ВЫГЛЯДЫВАТЬ II *несов. см.* **вы́глянуть.**

ВЫГЛЯНУ/ТЬ *сов.* (*несов.* **выгля́дывать** II) 1 бошини чиқариб қарамоқ; ~**ть из окна́** деразадан бошини чиқариб қарамоқ; 2 кўринмоқ, мўраламоқ, намоён бўлмоқ; **из-за туч** ~**ла луна́** булут орасидан ой кўринди (мўралади).

ВЫГНАТЬ, -гоню, -гонишь *сов.* (*несов.* **выгоня́ть**) *кого-что* 1 ҳайдамоқ, ҳайдаб юбормоқ, ҳайдаб чиқармоқ; думини тугмоқ; ~ **мух из ко́мнаты** хонадан пашшаларни ҳайдаб чиқармоқ; ~ **с рабо́ты** ишдан ҳайдамоқ; 2 ҳайдамоқ, қўйиб юбормоқ; ~ **ста́до в по́ле** подани далага ҳайдамоқ; 3 *спец.* ҳайдамоқ, тортмоқ, чиқармоқ; ~ **спирт** спирт ҳайдамоқ; 4 тезлаштириб етилтирмоқ (тез етиштирмоқ); ~ **рассо́ду** кўчатни тезлаштириб етиштирмоқ; 5 *прост.* тушмоқ, йўқотмоқ; ~ **солите́ра** гижжани туширмоқ; ~ **плод** болани туширмоқ; 6 *прост.* патир-путур ишлаб чиқармоқ, кўп миқдорда чиқариб ташламоқ.

ВЫГНИВА́ТЬ *несов. см* **вы́гнить.**

ВЫГНИ/ТЬ, -гнию, -гниешь *сов.* (*несов.* **выгнива́ть**) чиримоқ, иримоқ; чириб (ириб) кетмоқ; чириб тушмоқ; **зуб** ~**л** тиш чириб тушди.

ВЫГНУТЫ/Й, -ая, -ое 1 *прич. от* **вы́гнуть**; 2 *в знач. прил.* букилган, эгилган; эгма, қайрилма; эгик, букик; ~**е спи́нки сту́льев** стулларнинг эгилган (эгма) суянчиқлари.

ВЫГНУТЬ *сов. что* (*несов.* **выгиба́ть**) эгмоқ, букмоқ, қайирмоқ; ~ **ба́лку** балкани эгмоқ; ~ **спи́ну** белни букмоқ; ~ **ше́ю** бўйнини қайирмоқ.

ВЫГНУТЬСЯ *сов.* (*несов.* **выгиба́ться**) эгилмоқ, букилмоқ, қайрилмоқ.

ВЫГОВА́РИВАТЬ *несоз* 1 *см.* **вы́говорить**; 2 *кому разг.* танбеҳ (таъзир, дакки) бермоқ; койиб гапирмоқ; ~ **за опозда́ние** кечикканлиги учун танбеҳ (дакки) бермоқ.

ВЫГОВА́РИТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **вы́говориться**; 2 *страд. от* **выгова́ривать** 1.

ВЫГОВОР *м* 1 талаффуз; **чи́стый** ~ тоза (тўғри) талаффуз; 2 виговор, ҳайфсан; танбеҳ, таъзир, дакки; **объяви́ть** ~ виговор (ҳайфсан) эълон қилмоқ; **стро́гий** ~ жиддий танбеҳ; ~ **в прика́зе** буйруқ орқали виговор эълон қилиш; буйруқ орқали берилган виговор; ~ **с предупрежде́нием** огоҳлантириш билан берилган виговор; **сде́лать** ~ танбеҳ (дакки) бермоқ; танбеҳ бериб қўймоқ.

ВЫГОВОРИ́ТЬ *сов.* (*несов.* **выгова́ривать**) *что* 1 гапирмоқ; айтмоқ; ~ **сло́во** бир оғиз сўз айтмоқ; гап гапирмоқ; 2 талаффуз қилмоқ; 3 *разг.* писанда қилмоқ, шарт қилиб қўймоқ; талашиб (тортишиб, қийишиб) олмоқ; ~ **себе́ два дня отсро́чки** икки кун муҳлат беришини шарт қилиб қўймоқ; талашиб-тортишиб икки кун муҳлат олмоқ; 3 танбеҳ (таъзир, дакки) бермоқ; койиб гапириб қўймоқ; 4 охиригача айтмоқ, бор гапни гапирмоқ; ~ **всю пра́вду** бор ҳақиқатни айтмоқ.

ВЫГОВОРИ́ТЬСЯ *сов.* (*несов.* **выгова́риваться**) *разг.* охиригача гапирмоқ, бор гапни айтмоқ (айтиб бермоқ); **да́йте мне** ~ **до конца́** охиригача гапиришга (бор гапни айтишга) рухсат беринг.

ВЫГО́Д/А *ж* 1 фойда, ҳаён, наф, суд, баҳра; **двойна́я** ~**а** икки томонлама фойда; **извле́чь** ~**у** наф олмоқ, фойда кўрмоқ (қилмоқ); 2 манфаат, фойда; **ду́мать о свое́й** ~**е** ўз манфаатини кўзламоқ; **взаи́мная** ~**а** ўзаро манфаат, икки томон учун ҳам фойда.

ВЫГО́ДНО 1 *нареч.* фойдали; фойда кўриб (олиб), фойдасига; ~ **прода́ть** фойда олиб (фойдасига) сотмоқ; ~ **отлича́ться** афзал (ижобий томонлари) бўлмоқ; афзалликлари (ижобий томонлари) билан фарқ қилмоқ, устун турмоқ; 2 *в знач. сказ.* фойда (ҳаён) келтиради, фойдали, фойда; **кооперати́вное строи́тельство** ~ **и населе́нию, и госуда́рству** кооператив қурилиш аҳоли учун ҳам, давлат учун ҳам фойдали; 3 *в знач. сказ.* афзал(роқ), яхши(роқ), фойдали(роқ).

ВЫГО́ДН/ЫЙ, -ая, -ое 1 фойдали, нафли, фойда (ҳаён) келтирадиган; ~**ое де́ло** фойдали иш; 2 манфаатли, манфаат келтирадиган, афзал (устун) бўлган; ~**ое мне́ние** афзал(роқ) фикр; ~**ое ме́сто** манфаат келтирадиган жой (ўрин); ✦ **в** ~**ом све́те** (или **освеще́нии**) яхши томонларини кўрсатиб (бўрттириб).

ВЫГОН *м* 1 *по гл.* **вы́гнать** — **выгоня́ть** 2; ~ **скота́ в по́ле** молларни далага ҳайдаб чиқариш; 2 ўтлоқ, яйлов; **совхо́зный** ~ совхоз яйлови.

ВЫГОНКА *ж разг.* и *спец. по гл.* **вы́гнать** — **выгоня́ть** 3, 4; ~ **де́гтя** қорамойни ҳайдаш; ~ **цвето́в** гулларни тезлаштириб етиштириш.

ВЫГОНЯ́ТЬ *несов. см.* **вы́гнать.**

ВЫГОРА́ЖИВАТЬ *несов. см.* **вы́городить.**

ВЫГОРА́ЖИВАТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **вы́городиться**; 2 *страд. от* **выгора́живать.**

ВЫГОРА́ТЬ I, -а́ет *несов. см.* **вы́гореть** I.

ВЫГОРА́ТЬ II, -а́ет *несов. см.* **вы́гореть** II.

ВЫГОРЕВШИ/Й, -ая, -ее 1 *прич. от* **вы́гореть** 1; 2 *в знач. прил.* офтобда сарғайган (айниган, ўнгган); ранги ўчган (кетган); ~**е во́лосы** офтобда сарғайган соч(лар).

ВЫГОРЕ́Л/ЫЙ, -ая, -ое *то же, что* **вы́горевший** 2; ~**ая руба́ха** офтобда айниган кўйлак.

ВЫГОРЕ/ТЬ I, -рит *сов.* (*несов.* **выгора́ть** I) 1 ёниб тушмоқ, ёниб кул бўлмоқ; **дере́вня** ~**ла** қишлоқ ёниб кул бўлди; 2 ёниб (ёқилиб) тамом бўлмоқ, битмоқ; **керосин** ~**л** керосин ёниб битди (тугади); 3 офтобда сарғаймоқ, айнимоқ, ўнгмоқ.

ВЫГОРЕ/ТЬ II, -рит *сов.* (*несов.* **выгора́ть** II) *прост.* ўнгидан келмоқ, ўнгмоқ, унмоқ, битмоқ, чиқмоқ; **де́ло не** ~**ло** иш ўнгидан келмади, иш битмади (чиқмади).

ВЫГОРОДИ́ТЬ, -ожу, -одишь *сов.* (*несов.* **выгора́живать**) 1 *что* иҳота қилмоқ, тўсиб олмоқ, девор (ғов, тўсиқ ва ҳ. к.) қуриб ажратмоқ; ~ **сад** боғни тўсиб ажратмоқ; 2 *перен. кого* ёқламоқ; ёнига тушиб ҳимоя қилмоқ, сақлаб қолмоқ; ~ **прия́теля** дўстининг ёнига тушиб ҳимоя қилмоқ.

ВЫГОРОДИ́ТЬСЯ, -ожусь, -одишься *сов.* (*несов.* **выгора́живаться**) ўзини ҳимоя қилмоқ, ҳимоя қилиб ўзини қутқармоқ; **ему́ удало́сь** ~ у ўзини ҳимоя қила олди.

ВЫГРАВИ́РОВАТЬ *сов. что* ўймоқ, ўйиб ёзмоқ (ёки нақш солмоқ).

ВЫГРА́НИВАТЬ *несов. см.* **вы́гранить.**

ВЫГРА́НИТЬ *сов.* (*несов.* **выгра́нивать**) *что* тарашламоқ, қирраламоқ; тарашлаб қирра чиқармоқ; ~ **бриллиа́нты** бриллиантларни тарашламоқ.

ВЫГРЕБ *м* 1 *по гл.* **вы́грести** 1; ~ **отхо́дов** чиқиндиларни кураклаб олиш; 2 *с.-х.* и *обл.* ғалла (ёки картошка ва ҳ. к.) кўмилган ўранинг оғзи; 3 ахлат ташланадиган ўра, чуқур.

ВЫГРЕБА́ТЬ *несов. см.* **вы́грести.**

ВЫГРЕБА́ТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **вы́грестись**; 2 *страд. от* **выгреба́ть** 1.

ВЫГРЕБН/О́Й. -а́я, -о́е сидириб (ёки сузиб) оладиган; ~**о́й черпа́к** сузиб оладиган чўмич; ✦ ~**а́я я́ма** ахлатхона, ахлат тўкиладиган (ташланадиган) ўра.

ВЫГРЕСТИ́, -гребу, -гребешь *сов.* 1 *что* курак (ёки хаскаш ва ҳ. к.) билан сидириб олмоқ, тозалаб олиб (ку-

www.ziyouz.com kutubxonasi

раб) ташламоқ; ~ **му́сор из я́мы** чуқурдан ахлатни ковлаб олиб ташламоқ; ~ **золу́ из пе́чки** печканинг кулини сидириб олмоқ (тозалаб олиб ташламоқ); 2 эшкак эшиб етиб (ёки чиқиб) олмоқ; ~ **к бе́регу** эшкак эшиб қирғоққа чиқмоқ.

ВЫГРЕСТИСЬ, **-гребусь**, **-гребешься** *сов. разг. то же, что* **вы́грести** 2; ~ **из камыше́й** эшкак эшиб қамишзордан чиқиб олмоқ.

ВЫГРУЖА́ТЬ *несов. см.* **вы́грузить**.

ВЫГРУЖА́ТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **вы́грузиться**; 2 *страд. от* **выгружа́ть**.

ВЫГРУЗИ́ТЬ, **-ужу**, **-узишь** *(несов.* **выгружа́ть***)* *кого-что* 1 туширмоқ; тушириб қўймоқ; тўкмоқ; ~ **ты́ки из ваго́на** вагондан тойларни туширмоқ; 2 юкдан (юкини тушириб) бўшатмоқ; ~ **ваго́н** вагонни (юкдан) бўшатмоқ, вагоннинг юкини туширмоқ.

ВЫГРУЗИ/ТЬСЯ, **-ужусь**, **-узишься** *сов.* 1 юки билан тушмоқ, юк-пуки билан тушиб қолмоқ, тушиб кетмоқ; **пассажи́ры ~лись на ста́нции** станцияда пассажирлар (юки, юк-пуки билан) тушишди (тушиб кетишди); 2 юкини туширмоқ, юкдан бўшамоқ; **су́дно ~лось у при́стани** пристанда кема юкини туширди.

ВЫГРУЗК/А *ж по гл.* **вы́грузить** и **вы́грузиться**; ~**а ваго́нов** вагонларни (юкдан) бўшатиш; вагонларнинг юкини тушириш.

ВЫГРЫЗАТЬ *несов. см.* **вы́грызть**.

ВЫГРЫЗ/ТЬ, **-зу**, **-зешь**; **вы́грыз**, **-ла** *сов. (несов.* **вы́грызать***)* *что* кемирмоқ, ғажимоқ; кемириб (ғажиб) ташламоқ, кемириб (ғажиб) еб қўймоқ (кетмоқ), кемириб тешмоқ; **кры́са ~ла в я́щике дыру́** каламуш яшикни кемириб тешиб қўйибди.

ВЫГУЛ *м с.-х.* 1 далада (яйловда) семириш; 2 иҳота қилинган (ўралган) яйлов.

ВЫГУ́ЛИВАТЬСЯ, **-ается** *несов. см.* **вы́гулять**.

ВЫГУЛЯ́ТЬСЯ, **-яется** *сов. (несов.* **вы́гу́ливаться***)* *с.-х.* далада (яйловда) семирмоқ.

ВЫДАВА́ТЬ, **-даю́**, **-даёшь** *несов. см.* **вы́дать**.

ВЫДАВА́ТЬСЯ I, **-даю́сь**, **-даёшься** *несов.* 1 *см.* **вы́даться** 1; 2 бошқалардан ажралиб (кўзга кўриниб) турмоқ; ~ **свои́м умо́м** ақл-идроки билан бошқалардан ажралиб турмоқ.

ВЫДАВА́ТЬСЯ II, **-даётся** *несов. страд. от* **выдава́ть**.

ВЫДА́ВИТЬ, **-влю**, **-вишь** *сов. (несов.* **выда́вливать***)* *что* 1 сиқиб (ситиб) чиқармоқ; эзиб олмоқ; ~ **сок из лимо́на** лимонни сиқиб сувини олмоқ, лимонни эзиб шарбатини чиқармоқ; 2 *перен.* зўрма-зўраки ҳосил қилмоқ; истар-истамас қилмоқ; ~ **слёзы** зўрма-зўраки кўз ёши чиқармоқ; ~ **улы́бку** истар-истамас илжаймоқ (ёки илжайтирмоқ); **из него́ сло́ва не вы́давишь** ундан гап олиб (уни гапиртириб) бўлмайди; 3 босиб синдирмоқ; босиб (итариб) чиқариб юбормоқ; ~ **стекло́** ойнани босиб синдирмоқ; ойнасини босиб чиқариб юбормоқ; 4 босиб из қолдирмоқ, белги қўймоқ (солмоқ), тамға босмоқ; ~ **зна́ки на мета́лле** босиб металлга белгилар қўймоқ.

ВЫДАВИ/ТЬСЯ, **-ится** *сов. (несов.* **выда́вливаться***)* 1 босганда (ёки сиқилиб) чиқмоқ; **па́ста ~лась из ты́бика** паста тюбикдан сиқилиб чиқди; 2 босилиб синмоқ; оғирлик тушиб чиқиб кетмоқ; **сиде́нье сту́ла ~лось** стулнинг ўриндиқ тахтаси оғирлик тушиб чиқиб кетди; 3 ўйилмоқ, изи тушмоқ; **на ма́трице ~лись бу́квы** матрицага ҳарфларнинг изи тушди.

ВЫДА́ВЛИВАТЬ *несов. см.* **вы́давить**.

ВЫДА́ВЛИВАТЬСЯ, **-ается** *несов.* 1 *см.* **вы́давиться**; 2 *страд. от* **выда́вливать**.

ВЫДА́ИВАТЬ *несов. см.* **вы́доить**.

ВЫДА́ЛБЛИВАТЬ *несов. см.* **вы́долбить** 1, 2.

ВЫДА́НЬЕ: **на** ~ *уст. прост.* бўйи етган, узатиладиган (қизлар ҳақида).

ВЫДА́ТЬ, **-ам**, **-ашь** *сов. (несов.* **выдава́ть***)* 1 *что* бермоқ; топширмоқ; ~ **де́ньги** пул бермоқ; ~ **про́пуск** пропуска бермоқ; 2 *кого-что* тутиб бермоқ, сотмоқ, фош (ёки ошкор) қилмоқ; ~ **во́ра** ўғрини тутиб бермоқ; ~ **сообщников** шерикларини тутиб бермоқ; шерикларини сотмоқ; ~ **секре́т** сирини фош (ошкор) қилмоқ; сир бой бермоқ; 3 *кого за кого* турмушга чиқармоқ, эрга бермоқ, узатмоқ; ~ **дочь за́муж** қизини эрга бермоқ (турмушга чиқармоқ), қизини узатмоқ; 4 *кого-что за кого-что* бошқа қилиб кўрсатмоқ; **он вы́дал себя́ за профе́ссора** у ўзини профессор қилиб кўрсатди; ~ **чужу́ю мысль за свою́** бошқа(лар)нинг фикрини ўзиники қилиб кўрсатмоқ; 5 *что* қазиб олмоқ (чиқармоқ); ишлаб чиқармоқ; **комбина́т вы́дал пе́рвую проду́кцию** комбинат дастлабки маҳсулотини ишлаб чиқарди; 6 *что уст.* эълон қилмоқ, чиқармоқ, нашр этмоқ; ✦ **не вы́дай(те)!** уялтириб қўйма(нг)!; шарманда қилма(нг); ~ **себя́** тилидан (оғзидан, гапидан) илинмоқ, ўз сирини фош қилиб қўймоқ, дилидагини (ёки ўзининг кимлигини) билдириб қўймоқ, ўзини кўрсатмоқ.

ВЫДА/ТЬСЯ, **-амся**, **-ашься** *сов.* 1 *(несов.* **выдава́ться** I,1) туртиб (бўртиб, дўппайиб, қаппайиб) чиқиб турмоқ; **дом ~лся угло́м на пло́щадь** уйнинг бир бурчаги майдонга туртиб чиққан (чиқиб турибди); 2 *разг.* бўлмоқ, келмоқ; юз бермоқ; ~**лся со́лнечный день** кун яхши (қуёшли, иссиқ) бўлди; ~**лся удо́бный слу́чай** қулай пайт тўғри келиб қолди; **зима́ ~лась о́чень холо́дная** қиш жуда совуқ келди; ✦ ~**ться** *в кого уст. прост.* ўхшаб туғилмоқ (оиласидаги бирор кишига); худди ўзи бўлмоқ; ~**лся в отца́** худди отасининг ўзи бўлибди.

ВЫДАЧА *ж* 1 *по гл.* **вы́дать** 1—3, 5, 6; ~ **удостовере́ний** гувоҳнома(лар) бериш; ~ **за́работной пла́ты** маош бериш; ~ **проду́кции** маҳсулот бериш, маҳсулот ишлаб чиқариш; 2 тўланган пул (ёки берилган мол) миқдори; маҳсул; **больша́я** ~ берилган кўп пул (ёки катта маҳсул ва ҳ. к.).

ВЫДАЮЩ/ИЙСЯ, **-аяся**, **-еяся** 1 *прич. от* **выдава́ться** I, 1; 2 *в знач. прил.* машҳур, атоқли; мисли йўқ (кўрилмаган), мислсиз; ~**ийся учёный** машҳур олим, атоқли олим; ~**аяся побе́да** мисли кўрилмаган ғалаба.

ВЫДВИГА́ТЬ *несов. см.* **вы́двинуть**.

ВЫДВИГА/ТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **вы́двинуться**; 2 сурилма (суриладиган, тортиб чиқарадиган) бўлмоқ; **я́щик стола́ ~ется** столнинг яшиги сурилма (сурилади, тортиб чиқарилади).

ВЫДВИЖЕ́НЕЦ *м, р.* **-нца** пастдан юқорига (раҳбарлик ишига) кўтарилган киши.

ВЫДВИЖЕ́НИЕ *с по гл.* **выдвига́ть** и **выдвига́ться**; ~ **кандида́тов в депута́ты** депутатликка номзодларни кўрсатиш.

ВЫДВИЖЕ́НКА *ж, р. мн.* **-нок** *см.* **выдвиже́нец**.

ВЫДВИЖЕ́НЧЕСТВО *с* пастдан юқорига (раҳбарлик ишга) кўтариш (кўтарилиш).

ВЫДВИЖН/О́Й, **-а́я**, **-о́е** сурилма, суриладиган, тортиб чиқариладиган; ~**о́й я́щик** сурилма яшик; ~**а́я дверь** суриладиган эшик.

ВЫДВИНУТЬ *сов. (несов.* **выдвига́ть***)* 1 *что* очиқ жойга (ёки олдинга, ўртага ва ҳ. к.) суриб қўймоқ, силжитмоқ, тортмоқ; ~ **стол на середи́ну ко́мнаты** столни уй ўртасига суриб қўймоқ; 2 *что* тортиб (суриб) очмоқ, тортмоқ, сурмоқ; ~ **я́щик стола́** стол яшигини тортмоқ (тортиб очмоқ); 3 *что* қўймоқ, таклиф қилмоқ, кўтармоқ, кўтариб чиқмоқ, ўртага ташламоқ; ~ **обвине́ние** айб қўймоқ, айбламоқ; ~ **доказа́тельство** далил келтирмоқ; ~ **вопро́с** масала қўймоқ, бирор масалани кўтариб чиқмоқ, ўртага ташламоқ; ~ **но́вый ме́тод** янги метод таклиф қилмоқ; ~ **на пе́рвый план** биринчи масала (вазифа) қилиб қўймоқ, олдинга сурмоқ; 4 *кого* кўрсатмоқ, таклиф қилмоқ, кўтармоқ; ~ **в депута́ты** депутатликка номзод қилиб кўрсатмоқ; ~ *чью-л.* **кандидату́ру** бирор кишининг номзодини таклиф қилмоқ; ~ **рабо́чего в помо́щники ма́стера** ишчини мастер ёрдамчиси вазифасига кўтармоқ.

ВЫДВИНУ/ТЬСЯ *сов. (несов.* **выдвига́ться***)* 1 очиқ жойга (ёки олдинга, ўртага ва ҳ. к.) сурилмоқ, чиқмоқ; ~**ться вперёд** олдинга сурилмоқ, олдинга чиқмоқ; 2 кўтарилмоқ; ном чиқармоқ, кўтарилиб кетмоқ; **тала́нтливый скрипа́ч бы́стро ~лся** талантли скрипкачи тез кўтарилиб кетди.

ВЫДВОРИТЬ *сов. (несов.* **выдворя́ть***)* *кого* ҳайдаб чиқармоқ, чиқариб юбормоқ; ~ **хулига́на из за́ла** безорини залдан ҳайдаб чиқармоқ.

ВЫДВОРЯ́ТЬ *несов. см.* **вы́дворить**.

ВЫДЕЛАТЬ *сов. (несов.* **выде́лывать***)* *что* 1 ишловини келтириб ясамоқ, ишлов бермоқ; **иску́сно вы́деланная вещь**

www.ziyouz.com kutubxonasi

ишловини келтириб (усталик, моҳирлик билан) ясалган нарса; 2 тайёрламоқ, қилмоқ, пиширмоқ, ишламоқ; ~ **ко́жу** тери пиширмоқ; ~ **под замш** замшга ўхшатиб ишламоқ; 3 *разг.* ғайритабиий ҳаракат қилмоқ.

ВЫДЕЛАТЬСЯ, **-ается** *сов.* ишланиб тайёр бўлмоқ, қўлдан чиқмоқ.

ВЫДЕЛЕ́НИ/Е *с* 1 *по гл.* **вы́делить** и **вы́делиться**; ~**е в самостоя́тельное предприя́тие** мустақил корхонага ажралиш; мустақил корхона бўлиб ажралиб чиқиш; ~**е по́та** тер (ажралиб) чиқиш; тер чиқариш; 2 *мн.* ~**я** организмдан ажралиб чиққан нарса (тер, йиринг ва ҳ. к.); **гно́йные** ~**я** йиринг, фасод.

ВЫДЕЛИ́ТЕЛЬНЫ/Й, **-ая**, **-ое** *физиол.* организмда ишланган моддаларни ажратиб чиқаришга (ажралиб чиқишига) оид; ажратувчи, ажратиб чиқарувчи; ажратиш...; ~**е о́рганы** ажратувчи (чиқарувчи) органлар; ~**й проце́сс** ажратиш (ажралиш) процесси.

ВЫДЕЛИ́ТЬ *сов.* (*несов.* **выделя́ть**) 1 *кого-что* ажратмоқ, ажратиб олмоқ; ажратиб қўймоқ (чиқармоқ); тайинламоқ, белгиламоқ; кўрсатмоқ; ~ **первоочередны́е зада́чи** энг зарур (биринчи навбатдаги) масалаларни ажратиб олмоқ; ~ **из гру́ппы** группадан ажратмоқ, группадан ажратиб чиқармоқ (қўймоқ); ~ **агита́торов** агитаторлар ажратмоқ (тайинламоқ, белгиламоқ); 2 *кого-что* ажратиб (белгилаб) кўрсатмоқ; ~ **лу́чших ученико́в** энг яхши ўқувчиларни ажратиб кўрсатмоқ; ~ **цита́ту курси́вом** цитатани курсив билан ажратмоқ (ажратиб кўрсатмоқ); 3 *что* ажратмоқ, ажратиб бермоқ; ~ **квартиру молодожёнам** янги келин-куёвга квартира ажратмоқ (бермоқ); ~ **часть иму́щества сыновья́м** мол-мулкнинг бир қисмини ўғилларига ажратиб (бўлиб) бермоқ; 4 *кого-что* ажратиб чиқармоқ, (рўзғорини) бўлак қилмоқ; **Пуска́й же́нится [во́тчим] на ком хо́чет. То́лько бы вы́делил тебя́** (М. Горький) Ўгай отанг кимга уйланса, уйланаверсин. Сени бўлак қилиб қўйса, бас; 5 *что спец.* ажратмоқ, ажратиб чиқармоқ; ~ **углеро́д** углерод чиқармоқ; ~ **ферме́нт** фермент чиқармоқ.

ВЫДЕЛИ́ТЬСЯ *сов.* (*несов.* **выделя́ться**) 1 ажралмоқ, бўлинмоқ; ажралиб (бўлиниб) чиқмоқ; ~ **в самостоя́тельный отде́л** алоҳида бўлим бўлиб ажралиб чиқмоқ; 2 бошқалардан ажралиб турмоқ; 3 *спец.* ажралмоқ, айрилиб чиқмоқ; 4 ажралмоқ, бўлак бўлмоқ, бўлак бўлиб чиқмоқ; ~ **из семьи́** оиладан бўлак бўлмоқ (бўлак бўлиб чиқмоқ).

ВЫДЕЛК/А *ж* 1 *по гл.* **вы́делать**; ~**а кирпича́** ғишт ишлаб чиқариш; 2 ишнинг сифати, ишланиши; ишлов; иш; **сукно́ хоро́шей** ~**и** ишлови яхши мовут; **чи́стая** ~**а** тоза иш; 3 бўртма гул, безак (газмолда, кийимда); **воротни́к с** ~**ой** (бўртма) гул тикилган ёқа; ✦ **овси́нка** ~**и не сто́ит** меҳнатига арзимайди.

ВЫДЕЛЫВА/ТЬ *несов.* *что* 1 *см.* **вы́делать**; 2 ишлаб чиқармоқ; ~**ть пу́говицы** тугма ишлаб чиқармоқ; 3 *разг.* охон қилмоқ, ҳунар кўрсатмоқ, ғалати қилиқ (ҳаракатлар) қилмоқ; ~**ть замыслова́тые па** ғалати муқомлар қилмоқ.

ВЫДЕЛЯ́ТЬ *несов.* *см.* **вы́делить**.

ВЫДЕЛЯ́ТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **вы́делиться**; 2 *страд. от* **выделя́ть**.

ВЫДЕ́РГАТЬ *сов.* (*несов.* **выдёргивать**) *что разг.* суғуриб олмоқ, тортиб олмоқ; ~ **гво́зди** михларни суғуриб олмоқ.

ВЫДЕ́РГИВАТЬ *несов.* *см.* **вы́дернуть** и **вы́дергать**.

ВЫДЕ́РГИВАТЬСЯ, **-ается** *несов.* 1 *см.* **вы́дернуться**; 2 *страд. от* **выдёргивать**.

ВЫДЕ́РЖАННОСТЬ *ж* 1 изчиллик, саботлилик, собитқадамлик; мустаҳкамлик; тўзимлилик; тўзим, сабр, матонат; **иде́йная** ~ ғоявий мустаҳкамлик, ғоявий жиҳатдан изчиллик; ~ **сти́ля** услубнинг изчиллиги; 2 ўзини тута билиш; оғирлик, вазминлик.

ВЫДЕ́РЖАНН/ЫЙ, **-ая**, **-ое** 1 *прич. от* **вы́держать**; 2 *в знач. прил.* изчил, саботли, матонатли, сабрли, тўзимли, собитқадам, мустаҳкам; **полити́чески** ~**ая програ́мма** сиёсий жиҳатдан изчил программа; 3 *в знач. прил.* ўзини тута биладиган, оғир, вазмин; ~**ый челове́к** оғир (вазмин) одам; 4 *в знач. прил.* узоқ туриб (сақланиб) етилган, турган; ~**ое вино́** узоқ сақланиб етилган вино.

ВЫДЕ́РЖ/АТЬ *сов.* (*несов.* **выде́рживать**) 1 *кого-что* **чидамоқ, чидаш (бардош) бермоқ, кўтармоқ; мото́р не** ~**ит таку́ю нагру́зку** мотор бундай нагрузкага бардош бера олмайди; мотор бундай нагрузкани кўтара олмайди; **лёд не** ~**ал** муз бардош бера (кўтара) олмади; 2 *что* **маҳкам** турмоқ, маҳкам туриб (матонат кўрсатиб, матонат билан) енгмоқ; бардош (чидаш) бермоқ; ~**ать оса́ду** матонат билан қамалга қарши турмоқ, қамал қийинчиликларини матонат билан енгмоқ; ~**ать опера́цию** операцияга чидаш (бардош) бермоқ; операциядан яхши чиқмоқ; 3 *без доп.* ўзини тутмоқ, тиймоқ; **он не** ~**ал и рассмея́лся** у ўзини тутолмай кулиб юборди; 4 *что* (муваффақиятли) ўтмоқ (текшириш, имтиҳон, синов ва ҳ. к. дан); ~**ать экза́мен** имтиҳондан ўтмоқ; ~**ать про́бные испыта́ния** дастлабки синовлардан ўтмоқ; 5 *что* риоя қилмоқ; ~**ать за́данные разме́ры** берилган ўлчамларга риоя қилмоқ; 6 *что* маълум вақт (ёки маълум шароитда) сақлаб етилтирмоқ, тобига етказмоқ, сифатини яхшиламоқ; ~**ать древеси́ну** ёғоч-тахтани маълум вақт сақлаб етилтирмоқ (тобига етказмоқ); ✦ ~**ать хара́ктер** характерини кўрсатмоқ, айтганини қилмоқ, айтганида турмоқ; ~**ать не́сколько изда́ний** бир неча марта қайта нашр этилмоқ; ~**ать роль** белгиланган йўлидан қайтмаслик; ~**ать па́узу** тўхтаб олмоқ (гапда, нутқда, ашулада ва ҳ. к.).

ВЫДЕ́РЖИВА/ТЬ *несов.* *см.* **вы́держать**; ✦ **не** ~**ет кри́тики** танқиддан тубан.

ВЫДЕ́РЖК/А I *ж*, *р. мн.* **-жек** кўчирма, парча, цитата; **привести́** ~**у из кни́ги** китобдан кўчирма (парча) келтирмоқ; ✦ **на** ~**у** дуч келган жойидан, танламасдан.

ВЫДЕ́РЖК/А II *ж* 1 *по гл.* **вы́держать**; **с** ~**ой** маълум вақт сақлаб (тутиб); 2 ўзини тута билиш, оғирлик, вазминлик; тоб, сабр, тоқат, матонат, тўзим; **прояви́ть большу́ю** ~**у** ўзини мустаҳкам тутмоқ, зўр матонат кўрсатмоқ; 3 видержка (сурат олишда фотоаппарат объективининг очиқ туриш вақти); **снима́ть с большо́й** ~**ой** катта видержка билан (объективни узоқ вақт очиб) суратга олиш.

ВЫДЕ́РНУТЬ *сов.* *что* (*несов.* **выдёргивать**) суғуриб (тортиб) олмоқ; суғуриб ташламоқ; ~ **гвоздь** михни суғуриб олмоқ; ~ **зуб** тишни суғуриб олмоқ (ташламоқ).

ВЫДЕ́РНУ/ТЬСЯ, **-нется** *сов.* суғурилиб чиқмоқ; чиқиб кетмоқ; **ни́тка** ~**лась из ушка́ иго́лки** ип игнанинг кўзидан чиқиб кетди; **гвоздь** ~**лся** мих суғурилиб чиқди.

ВЫДИРА́ТЬ *несов.* *см.* **вы́драть** I.

ВЫДИРА́ТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **вы́драться**; 2 *страд. от* **выдира́ть**.

ВЫДОИ́ТЬ *сов.* (*несов.* **выда́ивать**) *кого-что* соғиб олмоқ; ~ **коро́ву** сигирни соғмоқ, сигирнинг сутини соғиб олмоқ.

ВЫДОИ/ТЬСЯ, **-ится** *сов.* соғиб олинмоқ; **молоко́** ~**лось** сут соғиб олинди.

ВЫДОЛБИ́ТЬ, **-блю**, **-бишь** *сов.* *что* 1 (*несов.* **выда́лбливать**) тешмоқ, ўймоқ; ~ **отве́рстие в бревне́** ёғочда тешик ўймоқ, ёғочни тешмоқ; 2 (*несов.* **выда́лбливать**) ўйиб ясамоқ; ~ **ло́дку из ствола́ де́рева** ёғочни ўйиб кема ясамоқ; 3 (*несов.* **долби́ть**) *прост.* ёдламоқ, маъносига тушунмасдан ёдлаб олмоқ; ~ **стихи́** шеърни (маъносига тушунмасдан) ёдлаб олмоқ.

ВЫДОХ *м* нафас чиқариш, нафас; **вдох и** ~ нафас олиш ва чиқариш; **сде́лать** ~ нафас чиқармоқ.

ВЫДОХНУТЬ *сов.* (*несов.* **выдыха́ть**) *что* нафас чиқармоқ; ~ **во́здух че́рез но́здри** бурундан нафас чиқармоқ.

ВЫДОХ/НУ́ТЬСЯ, **-нусь**, **-нешься**; **-охся**, **-лась** *сов.* (*несов.* **выдыха́ться**) 1 ҳиди кетиб қолмоқ, ҳидсизланмоқ; мазаси (ёки кучи) кетмоқ; **вино́** ~**лось** винонинг мазаси (ёки кучи) кетиб қолибди; 2 *перен. разг.* шиддати кетмоқ, кучини йўқотмоқ, бўшашмоқ, бўшашиб қолмоқ; **наступле́ние проти́вника** ~**лось** душманнинг ҳужуми бўшашди; 3 *перен. разг.* сўнмоқ; шашти (шахти) кетмоқ, завол топмоқ; **тала́нт его́** ~**ся** унинг таланти сўнди.

ВЫДРА *ж* 1 қундуз; 2 қундуз териси, мўйнаси; 3 *прост. бран.* симён, қилтириқ (жуда ориқ хотин ҳақида).

ВЫДРАИВАТЬ *несов.* *см.* **вы́драить**.

ВЫДРАИТЬ *сов.* (*несов.* **выдра́ивать**) *что мор.* 1 таранглаб қўймоқ, таранг тортмоқ (кема арқонларини); 2 тозаламоқ, тозалаб қўймоқ, тозалаб ялтиратмоқ; ~ **па́лубу** палубани тозалаб ялтиратмоқ.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ВЫДРАТЬ I, **-деру**, **-дерешь** *сов.* (*несов.* **выдира́ть**) *что разг.* юлиб (юлиб-юлқаб, узиб ёки йиртиб) олмоқ; **~ лист из тетра́ди** дафтардан бир варақ йиртиб олмоқ.

ВЫДРАТЬ II, **-деру**, **-дерешь** *сов. кого-что* **1** яхшилаб урмоқ, саваламоқ; **2** қулоғини чўзиб (ёки сочидан тортиб) жазоламоқ; **~ за́ уши** қулоғидан (қулоғини) чўзиб жазосини бермоқ, қулоғини чўзиб қўймоқ.

ВЫДРАТЬСЯ, **-дерусь**, **-дерешься** *сов.* (*несов.* **выдира́ться**) *прост.* зўрға қутулиб чиқмоқ; аранг чиқиб олмоқ; **~ из ча́щи** чакалакзордан зўрға қутулиб чиқмоқ (чиқиб олмоқ).

ВЫДРЕССИРОВА/ТЬ *сов.* (*несов.* **дрессирова́ть**) *кого* **1** дрессировка қилиб ўргатмоқ, ўргатиб олмоқ, ром қилмоқ; **~ть медвежо́нка** айиқ боласини дрессировка қилиб ўргатиб олмоқ; **2** *ирон.* лаббайгўй (итоатгўй) қилиб олмоқ (қўймоқ); **~нный слуга́** лаббайгўй (итоатгўй) қилиб олинган хизматкор.

ВЫДУБИ́ТЬ, **-блю**, **-бишь** *сов.* (*несов.* **дуби́ть**) *что* ошламоқ; ошдан чиқармоқ; ошлаб қўймоқ; **~ ко́жу** тери ошлаб қўймоқ (ошдан чиқармоқ).

ВЫДУБИ́ТЬСЯ, **-ится** *сов.* ошланмоқ, ошдан чиқмоқ (тери ҳақида).

ВЫДУВА́НИЕ *с по гл.* **выдува́ть** 1, 3; **~ почв** тупроқни учириб (ялаб) кетиш, нуратиш; тупроқнинг шамолдан нураши.

ВЫДУВА́ТЬ *несов. см.* **вы́дуть**.

ВЫДУВКА *ж по гл.* **вы́дуть — выдува́ть** 1, 3; **~ посу́ды** пуфлаб идиш ясаш (хрустал, шиша идишлар ҳақида).

ВЫДУВН/О́Й, **-а́я**, **-о́е** **1** пуфлаб ясалган; **~а́я посу́да** пуфлаб ясалган идиш; **2** пуфлайдиган; пуфлаш...; **~а́я маши́на** пуфлайдиган машина; пуфлаш машинаси.

ВЫДУМАННЫЙ, **-ая**, **-ое** **1** *прич. от* **вы́думать**; **2** *в знач. прил.* ўйлаб чиқарилган, хаёлий, уйдирма, тўқима; **~ слу́чай** ўйлаб чиқарилган (ёлғон) воқеа.

ВЫДУ́МА/ТЬ *сов.* (*несов.* **выду́мывать**) *что* **1** ўйлаб чиқармоқ, ихтиро қилмоқ, **~ть но́вую игру́** янги ўйин ўйлаб чиқармоқ; **2** ўйлаб чиқармоқ, уйдирмоқ; тўқимоқ; тўқиб-чатмоқ; **~ть правдоподо́бную ве́рсию** ҳақиқатга ўхшаб кетадиган ривоят ўйлаб чиқармоқ; ✦ **по́роха не ~ет** ҳеч балога (ҳеч нарсага) ақли етмайди; **не ~й(те)** *с неопр.* ўйламанг, хаёлингизга келтирманг! ... кўрманг!; **не ~йте купа́ться** чўмила кўрманг!

ВЫДУМА́ТЬСЯ, **-ается** *сов.* ўйлаб чиқарилмоқ, хаёлга келмоқ.

ВЫДУМК/А *ж* **1** *разг.* ўйлаб чиқаришга усталик, ихтирочилик, топағонлик; **поле́зная ~а** фойдали ихтирочилик; **2** ўйлаб чиқарилган (топилган) нарса, ихтиро; **его́ ~и удивля́ли всех** унинг ўйлаб чиқарган (топган) нарсалари ҳаммани ҳайрон қолдирарди; **3** ёлғон, уйдирма; тўқима; **всё э́то — одна́ ~а** буларнинг ҳаммаси ёлғон (тўқима).

ВЫДУМЩИК *м разг.* **1** ўйлаб чиқарувчи, ихтирочи; **2** ёлғончи, уйдирмачи.

ВЫДУМЩИЦА *ж разг. см.* **вы́думщик**.

ВЫДУ́МЫВАНИЕ *с по гл.* **выду́мывать**; **~ игр** ўйинлар ўйлаб топиш.

ВЫДУ́МЫВАТЬ *несов. см.* **вы́думать**.

ВЫДУ/ТЬ *сов.* (*несов.* **выдува́ть**) *что* **1** пуфламоқ, пуфлаб чиқармоқ; пуфлаб ташламоқ (тозаламоқ); учириб олиб (ялаб) кетмоқ; **~ть из тру́бки пе́пел** трубкадан кулни пуфлаб ташламоқ; **ве́тры ~ли по́чву** шамол тупроқни ялаб (нуратиб) кетди; **2** *разг.* пуфлаб совитмоқ, шамоллатиб (тортиб) иссиғини олиб кетмоқ; **печку́ ~ло** печканинг иссиғини шамол тортиб кетди (совитиб қўйди); **3** пуфлаб ясамоқ; **~ть ко́лбу** пуфлаб колба ясамоқ; **4** *прост.* кўп ичмоқ; ҳаммасини (пок-покиза, паққос) ичиб қўймоқ; **~ть графи́н воды́** графиндаги сувнинг ҳаммасини ичиб қўймоқ; ✦ **~ печь** *тех.* домна печини ўчириб, пуфлашда давом эгдириб ичидагини бўшатмоқ; **~ть ого́нь** *прост.* пуфлаб ёндирмоқ.

ВЫДУ́ТЬСЯ, **-уется** *сов.* учиб кетмоқ; шамолдан нурамоқ.

ВЫДЫХА́НИЕ *с* **1** *по гл.* **выдыха́ть**; **2** нафас чиқариш.

ВЫДЫХА́ТЕЛЬНЫ/Й, **-ая**, **-ое** нафас чиқаришга оид, нафас чиқариш...; **~е движе́ния** нафас чиқариш ҳаракатлари.

ВЫДЫХА́ТЬ *несов. см.* **вы́дохнуть**.

ВЫДЫХА́ТЬСЯ *несов.* **1** *см.* **вы́дохнуться**; **2** *страд. от* **выдыха́ть**.

ВЫДЮЖИТЬ *сов. разг.* чидамоқ, бардош бермоқ.

ВЫЕДА́ТЬ *несов. см.* **вы́есть**.

ВЫЕЗД *м* **1** *по гл.* **выезжа́ть** I, **1**; **~ в командиро́вку** командировкага жўнаш (кетиш); **разреши́ть ~ йўлга** чиқишга (жўнаб кетишга) рухсат бермоқ; **2** чиқиш жойи, йўли; **при ~е из го́рода** шаҳардан чиқишда (чиқаверишда); **3** от-арава; **4** *уст.* у ер-бу ерга (меҳмондорчиликка, театрга ва ҳ. к.) бориш.

ВЫЕЗДИТЬ, **-зжу**, **-здишь** *сов.* **1** (*несов.* **выезжа́ть II**) *кого* отни аравага (ёки минишга) ўргатмоқ; **~ ло́шадь** отни аравага (ёки минишга) ўргатмоқ; **2** *прост.* киракашлик билан пул топмоқ; **3** *прост.* кезиб чиқмоқ (отда, аравада ва ҳ. к.).

ВЫЕЗДКА *ж по гл.* **выезжа́ть II**; **~ трёхле́ток** ғунонларни (уч яшар отларни) аравага (ёки минишга) ўргатиш.

ВЫЕЗДН/О́Й, **-а́я -о́е** **1** чиқадиган (чиқиладиган); **чи́қиш...**; **~ы́е воро́та** (от-арава ва ҳ. к.) чиқадиган дарвоза; **2** миниладиган, минишга ўргатилган; **~а́я ло́шадь** миниладиган от; **3** сайёр, кўчма; **~о́й спекта́кль** кўчма спектакль, театрнинг сайёр спектакли; **~а́я се́ссия** сайёр сессия; **4** *уст.* кишилик, кўчалик; **~о́е пла́тье** кишилик (кўчалик) кийим.

ВЫЕЗЖА́ТЬ I *несов. см.* **вы́ехать**.

ВЫЕЗЖА́ТЬ II *несов. см.* **вы́ездить** 1.

ВЫЕМ *м то же, что* **вы́емка** 1, 3, 4.

ВЫЕМКА *ж* **1** *по гл.* **вы́нуть — вынима́ть** 1; **~ гру́нта** тупроқ чиқариш; **~ пи́сем из почто́вого я́щика** почта қутисидан хатларни олиш; **2** *спец.* олиб қўйиш (текшириш вақтида, ревизия ва ҳ. к. да); **~ перепи́ска** ёзишмаларни суғуриб олиш (олиб қўйиш); **3** чуқур, ўйилган жой, камгак; **~ в стене́** девордаги ўйилган жой; девор камгаги; **4** ўйилган (кесиб олинган) жой, ўйик (кийимда); **~ для рукава́** ўмиз.

ВЫЕМЧАТЫЙ, **-ая**, **-ое** *разг.* ўйиқ-ўйиқ, ўйилган, ўйиқли, камгак.

ВЫЕСТЬ, **-ем**, **-ешь** *сов.* (*несов.* **выеда́ть**) **1** ичини (ўртасини) емоқ, еб қўймоқ; **~ начи́нку из пирога́** пирогнинг ўртасини еб қўймоқ; **2** ўймоқ, емоқ, куйдирмоқ; ачиштирмоқ; ўйиб (еб ёки ачиштириб) юбормоқ; **кислота́ вы́ела пол** кислота полни ўйиб юборибди; ✦ **вы́деенного яйца́ не сто́ит** сариқ чақага арзимайди.

ВЫЕХА́ТЬ, **-еду**, **-едешь** *сов.* (*несов.* **выезжа́ть** 1) **1** жўнаб (чиқиб) кетмоқ, йўлга чиқмоқ (транспортда); **~ из села́** қишлоқдан жўнаб кетмоқ; **~ из воро́т** дарвозадан чиқиб кетмоқ; **2** кетмоқ, жўнамоқ, йўл олмоқ; чиқмоқ, кирмоқ; кириб келмоқ; **~ в Москву́** Москвага кетмоқ, Москвага жўнамоқ (йўл олмоқ); **~ на пло́щадь** майдонга кириб келмоқ; **3** *перен. на ком-чём разг.* фойдаланмоқ, ишлатмоқ, ишга солмоқ; **Смекну́вший де́ло хозя́ин [рестора́на] вы́ехал на... горя́чих ви́нах** (Герцен) Ишнинг кўзини билган хўжайин (ресторан эгаси) ... иссиқ виноларни ишга солди; **На рабо́х тепе́рь не вы́едешь, на́до самому́ бра́ться за косу́ и топо́р** (Чехов) Қулларни энди ишлатолмайсан, ўроқ ва болтани ўзинг қўлга олишинг керак.

ВЫЖАРИВА́ТЬ *несов. см.* **вы́жарить**.

ВЫЖАРИВА́ТЬСЯ, **-ается** *несов.* **1** *см.* **вы́жариться**; **2** *страд. от* **выжа́ривать**.

ВЫЖАРИ́ТЬ *сов.* (*несов.* **выжа́ривать**) *что разг.* қиздирмоқ, қиздириб қатрон қилмоқ; **~ горшо́к** кувачани қиздирмоқ.

ВЫЖАРИ/ТЬСЯ, **-ится** *сов.* (*несов.* **выжа́риваться**) **1** қизимоқ, қизиб қатрон бўлмоқ; **котёл ~лся** қозон қизиди (қизиб, қатрон бўлди); **2** обдан (яхши) пишмоқ.

ВЫЖА́ТЬ I, **-жму**, **-жмешь** *сов.* (*несов.* **выжима́ть**) *что* **1** сиқиб сувини чиқармоқ; сиқиб сувини олмоқ; сиқиб сувини чиқариб ташламоқ; **~ сок из виногра́да** узумни сиқиб шарбатини олмоқ (сувини чиқармоқ); **~ лимо́н** лимонни сиқмоқ; **~ бельё** кирни сиқмоқ, кирнинг сувини сиқиб ташламоқ; **2** *перен.* имконияти борича олмоқ, фойдаланмоқ; чегарасига, поёнига етказмоқ; **~ из маши́ны преде́льную ско́рость** машинанинг тезлигини поёнига етказмоқ; **3** сиқиб чиқариб юбормоқ, сиқиб чиқармоқ, эзиб юбормоқ; **4** *спорт.* силтамасдан кўтармоқ; **~ стокилогра́ммо́вую шта́нгу юз ки-**

www.ziyouz.com kutubxonasi

лограммлик штангани силтамасдан кўтармоқ; ✦ ~ все си́лы бор кучини солмоқ, сиқиб сувини ичмоқ.

ВЫЖА́ТЬ II, -жну, -жнешь *сов.* (*несов.* **выжина́ть**) *что* ўрмоқ, ўриб олмоқ, ўриб қўймоқ; ~ **гекта́р ри́са** бир гектар ердаги шолини ўриб олмоқ (ўриб қўймоқ).

ВЫЖА/ТЬСЯ, -жмется *сов.* (*несов.* **выжима́ться**) **1** сиқиш (эзиш) натижасида чиқмоқ, олинмоқ; **из ка́ждого килогра́мма семя́н ~лось по восемьсо́т гра́ммов ма́сла** ҳар бир килограмм уруғдан саккиз юз грамм мой олинди; 2 сиқилмоқ; **семена́ хлопча́тника хорошо́ ~лись** чигит яхши сиқилди.

ВЫЖДА́ТЬ *сов.* (*несов.* **выжида́ть**) *что* **1** кутиб турмоқ, сабр қилмоқ; пойламоқ; ~, **пока́ соберу́тся все** ҳамма йиғилишини кутиб турмоқ; ҳамма йиғилгунча сабр қилмоқ; ~ **удо́бный слу́чай** қулай фурсатни кутмоқ, пайт пойламоқ; 2 тугагунча турмоқ, тугашини бирор ерда (мас., панада) ўтказмоқ; ~ **бу́рю** бўрон тугагунча турмоқ.

ВЫЖЕЛТИ́ТЬ, -лчу, -лтишь *сов. разг. что* сариқ рангга (сариққа) бўямоқ, сарғайтирмоқ.

ВЫЖЕЛТИ́ТЬСЯ, -лчусь, -лтишься *сов. разг.* сариқ рангга бўялмоқ (кирмоқ), сарғаймоқ.

ВЫЖЕ́ЧЬ, -жгу, -жжешь; -жег, -жгла *сов.* (*несов.* **выжига́ть**) *что* **1** ёндириб (куйдириб) юбормоқ, куйдирмоқ, куйдириб йўқ (хароб) қилмоқ, қовжиратмоқ; **выжженная со́лнцем степь** қуёш ҳароратидан қовжираган чўл; **2** куйдириб ўймоқ, белги (тамға) туширмоқ, босмоқ, нақш солмоқ; ~ **клеймо́** куйдириб тамға босмоқ (туширмоқ); **3** қиздирмоқ, тозаламоқ, қатрон қилмоқ; ~ **дымохо́д** мўрини қиздириб тозаламоқ; **4** *спец.* қиздириб тайёрламоқ, куйдирмоқ, пиширмоқ; ~ **кирпи́ч** ғишт пиширмоқ; ~ **у́голь** кўмир (пистакўмир) куйдирмоқ.

ВЫЖИВА́ТЬ I *несов. см.* **вы́жить I.**

ВЫЖИВА́ТЬ II *несов. см.* **вы́жить II.**

ВЫЖИГ *м спец.* **1** *по гл.* **вы́жечь 4**; ~ **древе́сного у́гля** пистакўмир куйдириш; **2** *спец.* куйдирилган (пиширилган) маҳсулот миқдори; ~ **кирпича́ за ме́сяц** бир ойда пиширилган ғишт (миқдори).

ВЫЖИГА *м* и *ж разг.* пихини ёрган (пихи қайрилган) корчалон, уччига чиққан (бориб турган) муттаҳам, фирибгар, қаллоб.

ВЫЖИГА́НИЕ *с по гл.* **выжига́ть**; ~ **по де́реву** ёғочни куйдириб нақш солиш; ~ **у́гля** кўмир куйдириш; ~ **печны́х труб** мўриларни қиздириб тозалаш.

ВЫЖИГА́ТЬ *несов. см.* **вы́жечь.**

ВЫЖИДА́НИЕ *с* кутиш, пойлаш; **смотре́ть с ~м** нима бўлишини (дейишини ва ҳ. к.) кутмоқ.

ВЫЖИДА́ТЕЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое пайт пойлайдиган, фурсат кутадиган; пойловчи, кутувчи, огоҳ; интизор; **~ая по́за** пойлаб (шай бўлиб) туриш; **~ая та́ктика** пайт пойлаш тактикаси; **заня́ть ~ую пози́цию** қулай пайт пойлаш (кутиш) йўлини тутмоқ.

ВЫЖИДА́ТЬ *несов. см.* **вы́ждать.**

ВЫЖИДАЮЩИЙ, -ая, -ее 1 *прич. от* **выжида́ть**; **2** *в знач. прил.* кутувчи, огоҳ; интизор; ~ **взгляд** нима бўлишини (дейишини ва ҳ. к.) кутувчи нигоҳ; интизор (интизорлик билан) қараш.

ВЫЖИМ *м спорт.* силтамасдан кўтариш.

ВЫЖИМА́НИЕ *с по гл.* **вы́жима́ть**; ~ **тя́жестей** тош кўтариш.

ВЫЖИМА́ТЬ *несов. см.* **вы́жать I.**

ВЫЖИМА́ТЬСЯ *несов.* **1** *см.* **вы́жаться**; **2** *страд. от* **выжима́ть.**

ВЫЖИМКА *ж* **1** *по гл.* **выжима́ть — вы́жать I**; ~ **белья́** кирни сиқиш; ~ **свекло́вицы** қанд лавлагини сиқиш; **2** *перен.* қисқа мазмун (хулласи); ~ **из докла́да** докладнинг қисқа мазмуни (хулласи).

ВЫЖИМКИ *мн.* тўпон; турп; **льняны́е** ~ зиғир тўпони; **виногра́дные** ~ узум турпи.

ВЫЖИНА́ТЬ *несов. см.* **вы́жать II.**

ВЫЖИ/ТЬ I, -иву, -ивешь *сов.* (*несов.* **выжива́ть I**) **1** тирик қолмоқ, омон (соғ-саломат) қолмоқ; **ра́неный ~л** ярадор омон (соғ-саломат) қолди; **2** тутмоқ, кўкармоқ (кўчат ҳақида); **3** *разг.* зўрға, қанчадир вақт яшамоқ, турмоқ; **~ть неде́лю в дере́вне** қишлоқда бир ҳафта зўрға яшамоқ; **4** бошдан кечирмоқ, кўрмоқ; ✦ **~ть из ума́** (или **из па́мяти**) ақлдан озмоқ, эсини еб қўймоқ; эси яримта бўлиб қолмоқ.

ВЫЖИ́ТЬ II, -иву, -ивешь *сов.* (*несов.* **выжива́ть II**) *кого разг.* сиқиб (ситиб) чиқармоқ; ~ **со слу́жбы** хизматдан сиқиб (ситиб) чиқармоқ; ~ **и́з дому** уйдан сиқиб чиқармоқ (кўчириб юбормоқ).

ВЫЖЛЕЦ *м охот.* эркак този (ит).

ВЫЖЛИЦА *ж охот.* урғочи този (ит).

ВЫЖЛЯТНИК *м охот.* този итларга қаровчи овчи.

ВЫЗВАНИВА́ТЬ *несов.* **1** (*сов.* **вы́звонить**) *что* узоқ қўнғироқ чалмоқ; қўнғироқ билан куй чалмоқ; ~ **на колоко́лах мело́дию** қўнғироқлар билан куй чалмоқ; **2** *разг.* жиринглатмоқ, жаранг-журунг қилмоқ.

ВЫЗВА́НИВАТЬСЯ *несов.* **1** яхши жаранглайдиган (янгроқ, жарангдор) бўлмоқ; жаранги очилмоқ (қўнғироқ ҳақида); **2** *страд. от* **вызва́нивать 1.**

ВЫЗВА́ТЬ, -зову, -зовешь *сов.* (*несов.* **вызыва́ть**) *кого-что* **1** чақирмоқ, чорламоқ, таклиф қилмоқ; ~ **врача́** врач чақирмоқ; ~ **по телефо́ну** телефонга (телефон орқали) чақирмоқ; ~ **ученика́ к доске́** ўқувчини доскага чақирмоқ; **2** даъват қилмоқ, чақирмоқ; ундамоқ; ~ **на социалисти́ческое соревнова́ние** социалистик мусобақага чақирмоқ; ~ **на дуэ́ль** дуэлга чақирмоқ; ~ **на откровенность** очиқ (очиқчасига) гапиришга (гаплашишга) ундамоқ (мажбур қилмоқ); ~ **на разгово́р** гапиртирмоқ; гапга солмоқ; **3** *что* қўзғамоқ, туғдирмоқ, сабаб бўлмоқ; ~ **гнев** аччиғини чиқармоқ; ~ **смех** кулдирмоқ; ~ **аппети́т** иштаҳани очмоқ; ✦ **к жи́зни** юзага келтирмоқ, юзага келишига сабаб бўлмоқ.

ВЫЗВА́ТЬСЯ, -зовусь, -зовешься *сов.* (*несов.* **вызыва́ться**) талабгор бўлиб чиқмоқ, отилиб чиқмоқ, истак (тайёрлик) билдирмоқ; ~ **помо́чь** *кому-л.* ёрдамлашишга тайёрлик билдирмоқ; ёрдамлашишни бўйнига олмоқ.

ВЫЗВЕЗДИ́/ТЬ, -ит *сов.* юлдузлар билан қопланмоқ; чарақлаб очилмоқ; **не́бо ~ло** осмонни юлдузлар қоплади; осмон чарақлаб очилиб кетди; **к но́чи ~ло** тунга бориб юлдузлар чарақлаб кетди.

ВЫЗВОЛИ́ТЬ *сов.* (*несов.* **вызволя́ть**) *кого-что разг.* қутқармоқ, халос (озод) этмоқ, бўшатмоқ; ~ **из беды́** ёмон аҳволдан (фалокатдан) қутқармоқ.

ВЫЗВОЛЯ́ТЬ *несов. см.* **вы́зволить.**

ВЫЗВОНИ́ТЬ *сов. см.* **вызва́нивать 1.**

ВЫЗДОРА́ВЛИВАТЬ *несов. см.* **вы́здороветь.**

ВЫЗДОРОВЕ/ТЬ *сов.* (*несов.* **выздора́вливать**) соғаймоқ, тузалмоқ; соғайиб (тузалиб) кетмоқ; **больно́й ~л** бемор тузалиб кетди.

ВЫЗДОРОВЛЕ́НИ/Е *с по гл.* **вы́здороветь; жела́ю ско́рого ~я** тезда соғайиб кетишингизни тилайман.

ВЫЗЕЛЕНИ́ТЬ *сов. кого-что разг.* кўкка бўямоқ, кўкка беламоқ (булғамоқ).

ВЫЗЕЛЕНИ́ТЬСЯ *сов. разг.* кўкка бўялмоқ, кўкка беланмоқ; кўк ранг юқтирмоқ.

ВЫЗИ́МОВА/ТЬ *сов. прост.* қишламоқ, қиш чиқармоқ, қишдан чиқмоқ, қишни ўтказмоқ; **са́женцы чере́шен хорошо́ ~ли** гилос кўчатлари қишдан яхши чиқди.

ВЫЗНАВА́ТЬ *несов. см.* **вы́знать.**

ВЫЗНА́ТЬ *сов.* (*несов.* **вызнава́ть**) *что* и *без доп. прост.* ўсмоқчилаб билиб олмоқ, суриштириб (ковлаштириб) билмоқ.

ВЫЗО́В *м* **1** *по гл.* **вы́звать 1**; ~ **врача́ на́ дом** врачни уйга чақириш; ~ **в суд** судга чақириш; **2** чақириқ, чақирув, таклиф; **яви́ться по ~у** чақириққа (чақириқ қоғозига) мувофиқ бормоқ; **3** чақириқ, даъват, ундов; чақириш (курашга, олишишга, мусобақага ва ҳ. к.); ~ **на соревнова́ние** мусобақага чақириқ; **4** *кому-чему* қарши чиқиш, жиғига (ғашига) тегиб қарши қўйиш; ✦ **с ~ом** гердайиб, ўзини қарши қўйиб; **бро́сить ~** қарши қўймоқ, қарши чиқмоқ, қарши ҳаракат қилмоқ.

ВЫЗОЛА́ЧИВАТЬ *несов. см.* **вы́золотить.**

ВЫЗОЛА́ЧИВАТЬСЯ, -ается 1 *см.* **вы́золотиться**; **2** *страд. от* **вызола́чивать.**

ВЫЗОЛО́ТИТЬ, -лочу, -лотишь *сов.* (*несов.* **вызола́чивать**) *что* олтин югуртирмоқ, зарҳал бермоқ, зарҳалламоқ; ~ **ра́мы** ромларга зарҳал бермоқ, ромларни зарҳалламоқ.

ВЫЗОЛО́ТИТЬСЯ, -ится *сов.* (*несов.* **вызола́чиваться**) олтин югуртирилмоқ, зарҳалланмоқ.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ВЫЗРЕВАНИЕ *с по гл.* **вызрева́ть; ~ плодо́в** мевалар-нинг пишиши (етилиши).

ВЫЗРЕВА́ТЬ *несов. см.* **вы́зреть.**

ВЫЗРЕТЬ *сов. (несов.* **вызрева́ть**) етилиб пишмоқ, етилмоқ (мева ҳақида); **дать ~ плоду́** меванинг етилишига имкон бермоқ.

ВЫЗУБРИВАТЬ I *несов. см.* **вы́зубрить** I.

ВЫЗУБРИВАТЬ II *несов. см.* **вы́зубрить** II.

ВЫЗУБРИТЬ I *сов. (несов.* **вызу́бривать** I) *что* дамини қайтармоқ, ўтмас (арра) қилиб қўймоқ.

ВЫЗУБРИТЬ II *сов. (несов.* **вызу́бривать** II) *что разг.* ёдлаб олмоқ; маъносини тушунмасдан ёдламоқ; **~ уро́ки** дарсни ёдлаб олмоқ.

ВЫЗЫВАТЬ *несов. см.* **вы́звать.**

ВЫЗЫВАТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **вы́зваться;** 2 *страд. от* **вызыва́ть.**

ВЫЗЫВАЮЩ/ИЙ, -ая, -ее 1 *прич. от* **вызыва́ть;** 2 *в знач. прил.* кишининг ғашига (жиғига) тегадиган, ғашини келтирадиган; **~ ее поведе́ние** кишининг ғашини келтирадиган хулқ-атвор; **~ий тон** кишининг жиғига тегадиган муомала.

ВЫИГРАТЬ *сов. (несов.* **выи́грывать**) 1 *кого-что* и *без доп.* ютмоқ, ютиб олмоқ; **~ по лотере́е автомоби́ль** лотереядан автомобиль ютиб олмоқ; 2 *что* ютмоқ, устун чиқмоқ, ғолиб келмоқ; ғалаба (зафар) қозонмоқ; **~ па́ртию в ша́хматы** шахмат ўйинида ғалаба қозонмоқ; **~ суде́бное де́ло** судда ютиб чиқмоқ; **~ сраже́ние** жангда ғалаба қозонмоқ; **~ пари́** гаров ўйнаб ютмоқ; 3 ютмоқ, фойда қилмоқ, фойда (наф) кўрмоқ; **от э́того он то́лько вы́играет** бундан у фақат фойда қилади; 4 *в чём* тақдирга сазовор бўлмоқ, ҳурмат топмоқ, ҳурмати (эътибори) ошмоқ; **~ во мне́нии друзе́й** дўстлари назарида ҳурмати (эътибори) ошмоқ; ✦ **~ вре́мя** вақтдан ютмоқ.

ВЫИГРЫВАТЬ *несов. см.* **вы́играть.**

ВЫИГРЫШ *м* 1 ютуқ, ютилган нарса (ёки пул); **кру́пный ~** катта ютуқ; 2 фойда, ютиш, фойда қилиш; **~ во вре́мени** вақтдан ютиш, вақтдан фойда қилиш; 3 ғалаба, ютуқ; устун чиқиш, ютиш; ✦ **быть в ~е** 1) ютмоқ, ютиб чиқмоқ, устун келмоқ; 2) фойда қилмоқ.

ВЫИГРЫШН/ЫЙ, -ая, -ое 1 ютуқли, ютуқ чиқадиган; **~ый заём** ютуқли заём; 2 ютуқ берадиган, фойда келтирадиган, ютуққа олиб келадиган, фойдали, ютуқли; **~ое де́ло** фойдали иш; **~ое положе́ние** ютуқ берадиган (ютуққа олиб келадиган) вазият, ютуқли ҳолат.

ВЫИСКАТЬ, -ищу, -ищешь *сов. (несов.* **выи́скивать**) *кого-что разг.* излаб (қидириб, ковлаб, ковлаштириб) топмоқ; қидира-қидира топиб олмоқ; **~ оши́бку в расчётах** қидира-қидира ҳисобдаги хатони топмоқ; **~ удо́бный слу́чай** қулай фурсат топмоқ.

ВЫИСКА/ТЬСЯ, -ищется *сов. (несов.* **выи́скиваться**) *разг.* топилмоқ, пайдо бўлмоқ, чиқмоқ, чиқиб қолмоқ; **~лось мно́го жела́ющих** хоҳловчилар кўп чиқди (топилди); **отку́да ~лся тако́й знато́к?** қаёқдан чиқиб қолди бунақанги билағон?

ВЫИСКИВАТЬ *несов. см.* **вы́искать.**

ВЫИСКИВАТЬСЯ, -ается *несов.* 1 *см.* **вы́искаться;** 2 *страд. от* **выи́скивать.**

ВЫЙТИ, вы́йду, вы́йдешь; вы́шел, -шла *сов. (несов.* **выходи́ть**) 1 чиқмоқ; ташқари(га) чиқмоқ; **~из ко́мнаты** хонадан (ташқарига) чиқмоқ; **~ из маши́ны** машинадан чиқмоқ (тушмоқ); **~ из больни́цы** касалхонадан чиқмоқ; 2 *перен.* чиқмоқ, чиқиб кетмоқ; учмоқ; **~ из соста́ва коми́ссии** комиссия составидан чиқмоқ (ўчмоқ); 3 чиқмоқ, чиқиб олмоқ (қолмоқ), чиқиб бормоқ (келмоқ); **~ в сад** боққа чиқмоқ; **~ на сце́ну** саҳнага чиқмоқ; **~ на рабо́ту** ишга чиқмоқ; **~ на прогу́лку** сайрга чиқмоқ; **~ на орби́ту** орбитага чиқмоқ; орбитага чиқиб олмоқ; 4 *перен. уст.* кўтарилмоқ, бўлиб олмоқ; **~ в офице́ры** офицерликка кўтарилмоқ; офицер бўлиб олмоқ; 5 *из чего, из-под чего* чиқмоқ, қутулмоқ, халос бўлмоқ; илож топмоқ; **~ из тру́дного положе́ния** қийин аҳволдан қутулмоқ; **~ из долго́в** қарздан қутулмоқ; 6 нашр бўлмоқ, босилиб чиқмоқ, эълон қилинмоқ; **~ из печа́ти** нашрдан чиқмоқ; **вы́шел но́вый но́мер журна́ла** журналнинг янги сони (босилиб) чиқди; 7 бўлмоқ, бўлиб чиқмоқ, бўлиб етишмоқ; чиқмоқ; **~ победи́телем в соревнова́ниях** мусобақаларда ғолиб чиқмоқ; **из него́ вы́шел прекра́сный рабо́тник** у яхши (ажойиб) ходим бўлди (бўлиб етишди); 8 чиқмоқ, бўлмоқ; рўй (юз) бермоқ; бўлиб чиқмоқ; **фотогра́фия не вы́шла** сурат чиқмабди; **де́ло не вы́шло** иш чиқмади (бўлмади); **вы́шла неприя́тность** кўнгилсиз воқеа рўй берди; **вы́шло лу́чше, чем ожида́ли** кутгандан аъло бўлди; кутилгандан ҳам яхши бўлиб чиқди; **из э́той мате́рии не вы́йдет пла́тья** бу матодан кўйлак чиқмайди (бу мато кўйлакка етмайди); 9 сарф (тамом) бўлмоқ; тугамоқ; **вся бума́га вы́шла** бор қоғоз тамом бўлди; **срок вы́шел** муҳлати тугади (тамом бўлди); 10 *из кого-чего* етишиб чиқмоқ, пайдо бўлмоқ; **~ из наро́да** халқ орасидан (етишиб) чиқмоқ; **Я сам из просты́х вы́шел, зна́ю це́ну вся́кой рабо́те** (М. Горький) Мен ўзим оддий халқ орасидан чиққанман, ҳар қандай ишнинг қадрини биламан; 11 *за кого* турмушга чиқмоқ, тегмоқ; **~ за́муж** турмушга чиқмоқ, эрга тегмоқ; **~ за инжене́ра** инженерга тегмоқ; ✦ **~ из преде́лов** (или **из грани́ц**) *чего* или **~ за преде́лы** *чего* четга чиқмоқ, чегарадан (ҳаддан) ошмоқ (оширмоқ); **~ нару́жу** ташқарига чиқмоқ, ошкор бўлмоқ; **~ из терпе́ния** сабри (сабр-тоқати) тугамоқ; **~ из повинове́ния** итоат этмай қўймоқ, итоатдан бош тортмоқ; **~ из берего́в** қирғоқларидан ошмоқ, тошиб кетмоқ (дарё ҳақида); **~ из во́зраста** ёшидан ўтмоқ; ёши ўтиб қолмоқ; **~ из-под пера́ (ки́сти)** *кого* қаламига (мўйқаламига) мансуб бўлмоқ; **не вы́шел** кўнгилдагидек бўлмади; **он ро́стом не вы́шел** унинг бўйи паст бўлиб қолди (қолган).

ВЫКАБЛУЧИВАТЬСЯ *несов. прост.* ўзини кўрсатишга уринмоқ; ўзини кўз-кўз қилмоқ.

ВЫКАЗАТЬ, -кажу, -кажешь *сов. (несов.* **выка́зывать**) *что разг.* кўрсатмоқ, намоён қилмоқ; **~ хра́брость** жасорат кўрсатмоқ, жасурлигини намоён қилмоқ; **~ ми́лость** илтифот қилмоқ, ёрлақамоқ.

ВЫКАЗА/ТЬСЯ, -кажусь, -кажешься *сов. (несов.* **выка́зываться**) *разг.* 1 кўринмоқ, пайдо бўлмоқ; **Со́лнце едва́ ~лось из-за зелёных верши́н** (Лермонтов) Кўм-кўк қоялар ортидан қуёш эндигина кўринди (кўринган эди); 2 кўринмоқ, намоён бўлмоқ, маълум бўлмоқ, очилмоқ; **на ста́рости лет в нём ~лся тала́нт худо́жника** қариганда унинг рассомлик қобилияти намоён бўлди; 3 ўзини (ўзининг феълатворини, башарасини ва ҳ. к.) кўрсатмоқ.

ВЫКАЗЫВАТЬ *несов. см.* **вы́казать.**

ВЫКАЗЫВАТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **вы́казаться;** 2 *страд. от* **выка́зывать.**

ВЫКАЛИВАТЬ *несов. см.* **вы́калить.**

ВЫКАЛИВАТЬСЯ, -ается *несов.* 1 *см.* **вы́калиться;** 2 *страд. от* **выка́ливать.**

ВЫКАЛИТЬ *сов. (несов.* **выка́ливать**) *что прост.* яхшилаб қиздирмоқ, обдан қиздирмоқ.

ВЫКАЛИТЬСЯ, -ится *сов. (несов.* **выка́ливаться**) *прост.* яхши (обдан) қизимоқ.

ВЫКАЛЫВАТЬ *несов. см.* **вы́колоть.**

ВЫКАМА́РИВА/ТЬ *несов. что* и *без доп. прост.* ғалати қилиқлар (ишлар) қилмоқ; охон қилмоқ, ҳунар кўрсатмоқ; **ну и ~ет!** қилаётган қилиқларини қаранг-а!

ВЫКАНЮЧИВАТЬ *несов. см.* **вы́канючить.**

ВЫКАНЮЧИТЬ *сов. (несов.* **выканю́чивать**) *что прост.* қўярда-қўймай сўрамоқ, хиралик қилиб сўраб олмоқ, тилаб олмоқ.

ВЫКАПЧИВАТЬ *несов. см.* **вы́коптить.**

ВЫКАПЧИВАТЬСЯ, -ается *несов.* 1 *см.* **вы́коптиться;** 2 *страд. от* **выка́пчивать.**

ВЫКАПЫВАТЬ *несов. см.* **вы́копать.**

ВЫКАПЫВАТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **вы́копаться;** 2 *страд. от* **выка́пывать.**

ВЫКАРАБКАТЬСЯ *сов. (несов.* **выкара́бкиваться**) *разг.* 1 ўрмалаб (ёки эмаклаб) чиқмоқ, тирмашиб чиқиб олмоқ; 2 *перен.* аранг қутулмоқ, зўрға халос бўлмоқ, қутулиб чиқмоқ; **~из затрудне́ний** мушкул ҳолдан аранг қутулмоқ.

ВЫКАРАБКИВАТЬСЯ *несов. см.* **вы́карабкаться.**

ВЫКАРМЛИВАНИЕ *с по гл.* **выка́рмливать; ~ молодняка́** ёш молларни боқиб катта қилиш.

ВЫКАРМЛИВАТЬ *несов. см.* **вы́кормить.**

www.ziyouz.com kutubxonasi

ВЫКА́РМЛИВАТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **вы́кормиться**; 2 *страд. от* **выка́рмливать**.

ВЫКАТА́ТЬ I *сов. (несов.* **выка́тывать** I) 1 *что* текисламоқ (мас., каток босиб, ўқловлаб); ~ **бельё** кийимни (ўқловлаб) текисламоқ; 2 *прост.* ағнатиб ёки думалатиб (бирор нарсага) белаб (булғаб) олмоқ.

ВЫКАТА́ТЬ II *сов. (несов.* **выка́тывать** II) *что прост.* битта-битта (бирма-бир, бирин-кетин) думалатиб чиқармоқ; ~ **брёвна** ходаларни бирма-бир думалатиб чиқармоқ.

ВЫКАТА́ТЬСЯ *сов. (несов.* **выка́тываться** I) 1 текисланмоқ; 2 ағнаб (думалаб) беланмоқ, булғанмоқ; ~ **в песке́** ағнаб қумга беланмоқ.

ВЫКАТИ́/ТЬ, **-ачу**, **-атишь** *сов. (несов.* **выка́тывать** II) 1 *что* думалатиб чиқармоқ; ~**ть бо́чку из амба́ра** омборхонадан бочкани думалатиб чиқармоқ; 2 *разг.* ғилдираб чиқмоқ, пириллаб чиқиб қолмоқ; **из-за угла́** ~**л велосипе́д** бурчакдан ғириллаб велосипед чиқиб қолди; 3 *что прост.* бақрайтирмоқ, чақчайтирмоқ (кўзни); ~**ть глаза́** кўзини бақрайтирмоқ; кўзларини чақчайтирмоқ.

ВЫКАТИ́/ТЬСЯ, **-ачусь**, **-атишься** *сов. (несов.* **выка́тываться** II) 1 думалаб чиқмоқ (ёки тушиб кетмоқ); **из ку́зова** ~**лись кочаны́ капу́сты** кузовдан карам бошлари думалаб тушиб кетди; 2 *разг.* ғилдираб чиқмоқ; пириллаб чиқиб қолмоқ; 3 *прост.* бақраймоқ, чақчаймоқ, косасидан чиқиб кетмоқ (кўз ҳақида).

ВЫКА́ТКА *ж разг.* и *спец. по гл.* **вы́катить — выка́тывать** II: ~ **брёвен** ходаларни бирма-бир думалатиб чиқариш.

ВЫКА́ТЫВАТЬ I *несов. см.* **вы́катать** I.

ВЫКА́ТЫВАТЬ II *несов. см.* **вы́катить** и **вы́катать** II.

ВЫКА́ТЫВАТЬСЯ I *несов.* 1 *см.* **вы́кататься**; 2 *страд. от* **выка́тывать** I.

ВЫКА́ТЫВАТЬСЯ II *несов.* 1 *см.* **вы́катиться**; 2 *страд. от* **выка́тывать** II.

ВЫКА́ТЬ *несов. прост.* сизлаб гапирмоқ.

ВЫКА́ЧАТЬ *сов. (несов.* **выка́чивать**) *что* 1 насос билан тортиб (сўриб) олмоқ, чиқариб ташламоқ; ~ **во́ду насо́сом** насос билан сувни тортиб олмоқ; ~**во́здух** ҳавони (насос билан) чиқариб ташламоқ; 2 *перен. прост.* соғиб олмоқ, сўриб (соғиб ичиб) ётмоқ, аста-секин (оз-оздан) ўзлаштирмоқ; ~ **все де́ньги** ҳамма пулини соғиб олмоқ; ~ **бога́тства чужи́х стран** ўзга мамлакатларнинг бойлигини соғиб олмоқ (ўзлаштириб олиб кетмоқ).

ВЫКА́ЧАТЬСЯ, **-ается** *сов.* насос билан тортиб олинмоқ.

ВЫКА́ЧИВАНИЕ *с по гл.* **выка́чивать**; ~ **не́фти** нефтни чиқариш, нефтни тортиб (сўриб) олиш.

ВЫКА́ЧИВАТЬ *несов. см.* **вы́качать**.

ВЫКА́ЧКА *ж разг.* и *спец. по гл.* **вы́качать — выка́чивать**; ~ **мёда** асални тортиб олиш.

ВЫКА́ШИВАНИЕ *с по гл.* **выка́шивать**; ~ **лу́га** яйловдаги ўтларни ўриб олиш.

ВЫКА́ШИВАТЬ *несов. см.* **вы́косить**.

ВЫКА́ШЛИВАТЬ *несов. см.* **вы́кашлять**.

ВЫКА́ШЛИВАТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **вы́кашляться**; 2 *страд. от* **выка́шливать**.

ВЫКА́ШЛЯНУТЬ *сов. и однокр. см.* **выка́шливать**.

ВЫКА́ШЛЯТЬ *сов. (несов.* **выка́шливать**) *что разг.* йўталмоқ, йўталиб чиқариб (тупуриб) ташламоқ; ~ **мокро́ту** йўталиб балғам ташламоқ.

ВЫКА́ШЛЯТЬСЯ *сов. (несов.* **выка́шливаться**) *разг.* йўталиб олмоқ, йўталиб томоқни тозаламоқ.

ВЫКИ́ДАТЬ *сов. (несов.* **вы́кидывать**) *кого-что разг.* бирма-бир улоқтирмоқ, битта-биттадан отиб (улоқтириб) ташламоқ.

ВЫКИ́ДЫВАТЬ *несов. см.* **вы́кинуть** и **вы́кидать**.

ВЫКИ́ДЫВАТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **вы́кинуться**; 2 *страд. от* **вы́кидывать**.

ВЫКИ́ДЫШ *м* 1 бола ташлаш; 2 чала тушган бола.

ВЫКИ́НУТЬ *сов. (несов.* **вы́кидывать**) 1 *кого-что* улоқтириб ташламоқ, отиб (ирғитиб) юбормоқ; ~ **ли́шние ве́щи** ортиқча (кераксиз) нарсаларни улоқтириб ташламоқ; 2 *что* ташламоқ, баланд кўтармоқ, осмоқ; ~ **бе́лый флаг** оқ байроқ ташламоқ, оқ байроқни баланд кўтармоқ (таслим бўлганликни билдириш учун); 3 *кого-что* и *без доп. прост.* бола ташламоқ, чала туғмоқ; 4 *перен. что* чиқариб (олиб) ташламоқ; ~ **строчку из те́кста** текстдан бир сатр олиб ташламоқ; 5 *что прост.* сотувга чиқармоқ; ~ **това́р для прода́жи** сотувга мол чиқармоқ; 6 *что* ғалати иш (ёки қилиқ, ҳаракат) қилмоқ, охон қилмоқ, ҳунар кўрсатмоқ; ~ **шту́ку** ғалати иш қилмоқ; 7 ниш урмоқ, униб чиқмоқ, ўсмоқ; ✦ ~ **из головы́** *то же, что* **вы́бросить из головы́** *см.* **вы́бросить**; ~ **на у́лицу** *то же, что* **вы́бросить на у́лицу** *см.* **вы́бросить**.

ВЫКИ́НУТЬСЯ *сов. разг.* сакраб чиқмоқ (ёки тушмоқ); ўзини отмоқ.

ВЫКИПА́ТЬ, **-а́ет** *несов. см.* **вы́кипеть**.

ВЫКИПЕ́/ТЬ, **-пит** *сов. (несов.* **выкипа́ть**) қайнаб тамом бўлмоқ, қайнайвериб буғга айланиб кетмоқ; **вода́ ~ла** сув қайнаб тамом бўлди.

ВЫКИПЯТИ́ТЬ, **-ячу**, **-ятишь** *сов. что разг.* кўп (яхшилаб) қайнатмоқ; қайнатиб тозаламоқ; ~ **бельё** кирни қайнатмоқ; ~ **шприц** шприцни қайнатиб тозаламоқ.

ВЫКИПЯТИ́ТЬСЯ, **-ится** кўп (яхши) қайнамоқ; қайнатилиб тозаланмоқ.

ВЫКИСА́ТЬ *несов. см.* **вы́киснуть**.

ВЫКИС/НУТЬ, **-нет**; **-вы́кис**, **-ла** *сов. (несов.* **выкиса́ть**) қайнаб (ачиб, бижғиб) етилмоқ; ошмоқ, кўпчимоқ; **те́сто ~ло и поднялось** хамир ошиб кўпчиб чиқди.

ВЫКЛАДК/А *ж разг.* 1 *по гл.* **выкла́дывать** 1; ~**а доро́ги булы́жником** йўлга тош ётқизиш; 2 *уст.* қадама нақш; **ме́дный самова́р с серебряными ~ами** кумуш қадалган мис самовар; 3 *мн.* ~**и** ҳисобдаги (ёки исботдаги) амаллар, асослар; **математи́ческие ~и** математик амаллар; **теорети́ческие ~и** назарий асослар; 4 *воен.* солдатларнинг сафар анжомлари, керак-яроқлари; **бое́ц с по́лной ~ой** керак-яроқлар билан тўла таъминланган жангчи; 5 *перен.* куч-ғайрат, жаҳд-жадал; **рабо́тать с по́лной ~ой** бор куч-ғайрат билан ишламоқ.

ВЫКЛА́ДЫВАТЬ *несов.* 1 *см.* **вы́ложить**; 2 *что прост.* ҳисоб амалларини бажармоқ; ҳисобламоқ; ~ **по па́льцам** бармоқлар билан ҳисобламоқ; ~ **на счётах** чўт қоқиб (чўтга солиб) ҳисобламоқ.

ВЫКЛА́ДЫВАТЬСЯ, **-ается** *несов.* 1 *см.* **вы́ложиться**; 2 *страд. от* **выкла́дывать**.

ВЫКЛ/ЕВАТЬ, **-люю**, **-люешь** *сов. (несов.* **выклёвывать**) *что* 1 чўқилаб-чўқилаб чиқармоқ; чўқиб ташламоқ; **во́рон во́рону глаз не ~ юет** *посл.* қарға қарғанинг кўзини чўқимайди; 2 чўқилаб битирмоқ, ҳаммасини еб қўймоқ; **пти́цы ~евали всё зерно́** қушлар ҳамма донни чўқилаб (еб) битирди (қўйди).

ВЫКЛЕВАТЬСЯ, **-люется** *сов. см.* **выклёвываться** 1.

ВЫКЛЁВЫВАТЬ *несов. см.* **вы́клевать**.

ВЫКЛЁВЫВАТЬСЯ, **-ается** *несов.* 1 (*сов.* **вы́клеваться** и **вы́клюнуться**) тухумни очиб чиқмоқ (жўжа ҳақида); 2 *страд. от* **выклёвывать**.

ВЫКЛЕ́ИВАТЬ *несов. см.* **вы́клеить**.

ВЫКЛЕ́ИВАТЬСЯ, **-ается** *несов.* 1 *см.* **вы́клеиться**; 2 *страд. от* **выкле́ивать**.

ВЫКЛЕИТЬ *сов. (несов.* **выкле́ивать**) *что* 1 *разг.* елимлаб ясамоқ (қилмоқ); 2 *прост.* ҳамма тарафига, гир атрофига ёпиштирмоқ, ҳамма ёғига ёпиштириб чиқмоқ.

ВЫКЛЕИТЬСЯ, **-ится** *сов. (несов.* **выкле́иваться**) *разг.* ёпиштирилган жойдан кўчиб тушмоқ.

ВЫКЛИК *м разг.* 1 қаттиқ қичқириқ овози; чақириқ; 2 бақириқ; қичқириқ.

ВЫКЛИКА́ТЬ *сов. прост.* бақириб чақирмоқ.

ВЫКЛИКА́ТЬ *несов. (сов.* **вы́кликнуть**) *кого-что* и *без доп.* 1 отини айтиб чақирмоқ; ~ **по одному́** битта-битта (бирма-бир) отини айтиб чақирмоқ; 2 *разг.* бақирмоқ, қичқирмоқ.

ВЫКЛИКИВАТЬ *несов. кого-что* и *без доп. разг. то же, что* **выкрика́ть**.

ВЫКЛИКНУТЬ *сов.* и *однокр. см.* **выкрика́ть** и **выкли́кивать**.

ВЫКЛИНИВАНИЕ *с геол* секин-аста нураш.

ВЫКЛИНИВАТЬ *несов. см.* **вы́клинить**.

ВЫКЛИНИВАТЬСЯ, **-ается** *несов. см.* **вы́клиниться**.

ВЫКЛИНИТЬ *сов. (несов.* **выкли́нивать**) *что* уриб чиқармоқ, тортиб (суғуриб) олмоқ (понани).

www.ziyouz.com kutubxonasi

ВЫКЛИНИТЬСЯ, -ится *сов. (несов.* **выкли́ниваться**) 1 бўшаб чиқмоқ, чиқиб кетмоқ (пона ҳақида); 2 *геол.* астасекин нурамоқ.

ВЫКЛЮНУТЬ *сов.* и *однокр. см.* **выклёвывать.**

ВЫКЛЮНУТЬСЯ, -нется *сов.* и *однокр. см.* **выклёвываться** 1.

ВЫКЛЮЧА́ТЕЛЬ *м* виключатель.

ВЫКЛЮЧА́ТЬ *несов. см.* **вы́ключить.**

ВЫКЛЮЧА́ТЬСЯ, -а́ется *несов.* 1 *см.* **вы́ключиться**; 2 *страд. от* **выключа́ть.**

ВЫКЛЮЧЕ́НИЕ *с по гл.* **вы́ключить**; **автомати́ческое ~ то́ка** токнинг автоматик равишда узилиши; **~мото́ра** моторни ўчириш (тўхтатиш).

ВЫКЛЮЧИ́ТЬ *сов. (несов.* **выключа́ть**) 1 *кого-что* чиқармоқ, ўчирмоқ; чиқариб (ўчириб) юбормоқ, чиқариб қўймоқ (ташламоқ); **~ из спи́ска** рўйхатдан чиқармоқ (ўчирмоқ); 2 *что* узмоқ, узиб қўймоқ, ўчирмоқ; ўчириб қўймоқ; **~ ток** токни узмоқ (ўчирмоқ); **~ свет** электр чироқни ўчирмоқ, электрни ўчириб қўймоқ; **~ телефо́н** телефонни узиб қўймоқ; **~ ра́дио** радионн ўчириб қўймоқ; 3 *что* тўхтатмоқ, ўчирмоқ, тўхтатиб (ўчириб) қўймоқ; **~ мото́р** моторни тўхтатмоқ, моторни ўчирмоқ.

ВЫКЛЮЧИ́/ТЬСЯ, -ится *сов. (несов.* **выключа́ться**) 1 ўчиб кетмоқ, йўқ бўлмоқ, кўтарилмоқ, кетмоқ; **~ться из па́мяти** хотирадан кўтарилмоқ (ўчмоқ); 2 узилиб (ўчиб) қолмоқ, тўхтаб қолмоқ; **свет ~лся** электр узилиб (ўчиб) қолди; **мото́р ~лся** мотор тўхтаб (ўчиб) қолди.

ВЫКЛЯНЧИВАТЬ *несов. см.* **вы́клянчить.**

ВЫКЛЯНЧИ́ТЬ *сов. (несов.* **выкля́нчивать**) *что разг.* тилаб олмоқ, хиралик билан сўраб олмоқ.

ВЫКОВА́ТЬ *сов. (несов.* **выко́вывать**) *что* 1 болғалаб ясамоқ; **~подко́ву** тақа ясамоқ; 2 *перен.* чиниқтирмоқ, тарбиялаб етиштирмоқ, тайёрламоқ; **~ хара́ктер настоя́щего тру́женика** ҳақиқий меҳнаткаш характерини тарбияламоқ (сингдирмоқ).

ВЫКОВА́ТЬСЯ, -куется *сов.* 1 болғаланиб ясалмоқ; 2 *перен.* чиниқмоқ, етишмоқ.

ВЫКОВЫВАТЬ *несов. см.* **вы́ковать.**

ВЫКОВЫВА́ТЬСЯ, -ается *несов.* 1 *см.* **вы́коваться**; 2 *страд. от* **выко́вывать.**

ВЫКОВЫ́РИВАТЬ *несов. см.* **вы́ковырять.**

ВЫКОВЫРНУТЬ *сов.* и *однокр. см.* **выковы́ривать.**

ВЫКОВЫРЯТЬ *сов. (несов.* **выковы́ривать**) *что* қўчириб ташламоқ, ковлаб чиқариб олмоқ; **~ игло́й зано́зу** зирапчани игна билан ковлаб олмоқ (олиб ташламоқ).

ВЫКОЛА́ЧИВАНИЕ *с по гл.* **выкола́чивать**; **~ пы́ли из ковра́** гиламнинг чангини қоқиш.

ВЫКОЛА́ЧИВАТЬ *несов. см.* **вы́колотить.**

ВЫКОЛА́ШИВАНИЕ *с* бошоқлаш, бошоқ чиқариш, бошоқ тортиш.

ВЫКОЛА́ШИВАТЬСЯ, -ается *несов. см.* **вы́колоситься.**

ВЫКОЛОСИ/ТЬСЯ, -ится *сов. (несов.* **выкола́шиваться**) бошоқламоқ, бошоқ чиқармоқ, бошоқ тортмоқ; **рожь вся ~лась** жавдар ёппасига бошоқлади.

ВЫКОЛОТИ́ТЬ, -очу, -отишь *сов. (несов.* **выкола́чивать**) *что* 1 уриб чиқармоқ; **~ клин** понани уриб чиқармоқ; **~ гвоздь из доски́** тахтадан михни уриб чиқармоқ; 2 *перен. разг.* зўр билан (зўрға, зўрлаб) ундирмоқ; қоқиштириб олмоқ; **~ долги́** қарзни зўрға ундирмоқ; 3 қоқмоқ, қоқиб тозаламоқ; **~ пе́пел из тру́бки** трубканинг кулини қоқиб тозаламоқ; **~ ковёр** гиламни қоқмоқ; 4 *разг.* қийинчилик билан топмоқ, зўрға ишламоқ; **~ сто рубле́й в ме́сяц** ойига зўрға юз сўм ишламоқ; 5 *спец.* уриб (тўқмоқлаб) юмшатмоқ; **~ ко́жу** чармни уриб (тўқмоқлаб) юмшатмоқ; ✦ **~ дурь** *из кого см.* **дурь.**

ВЫКОЛО́ТКА *ж, р, мн.* **-ток** 1 *разг.* и *спец. по гл.* **вы́колотить** 1, 5; 2 пона ва ҳ. к. ни уриб чиқарадиган сумба; 3 кунда (этикдўзликда).

ВЫКОЛО́ТЬ *сов. (несов.* **выка́лывать**) *что* 1 санчиб тешмоқ; ўйиб олмоқ; **~ глаза́** кўзини ўйиб олмоқ; 2 санчиб нақш солмоқ; 3 ўртасидан синдириб (ушатиб) олмоқ; **~ кусо́к грани́та** гранит ўртасидан бир бўлак синдириб олмоқ; ✦ **(темно́) хоть глаз вы́коли** тим қоронғи, зим-зиё, зулмат, зимистон.

ВЫКОЛУПАТЬ *сов. (несов.* **выколу́пывать**) *что прост.* ковлаб (ўйиб) олмоқ; тирнаб (ковлаб) чиқармоқ; **~ изю́м из бу́лки** булкадан майизини ковлаб олмоқ.

ВЫКОЛУПАТЬСЯ, -ается *сов. прост.* ўйиб (ковлаб) олинмоқ; лўп этиб чиқмоқ.

ВЫКОЛУПНУТЬ *сов.* и *однокр. см.* **выколу́пывать.**

ВЫКОЛУПЫВАТЬ *несов. см.* **вы́колупать.**

ВЫКОПАТЬ *сов. (несов.* **выка́пывать**) 1 *что* ковламоқ, қазимоқ; ковлаб (қазиб) қўймоқ; **~ коло́дец** қудуқ ковламоқ (қазимоқ); 2 *что* ковлаб олмоқ; қазиб чиқармоқ; **~ карто́фель** картошкани ковлаб олмоқ; картошка ковламоқ; **~ ка́мень** тошни ковлаб олмоқ; 3 *перен. кого-что разг.* излаб (ковлаб) топмоқ; **~ ре́дкую кни́гу** излаб нодир китоб топмоқ.

ВЫКОПА́ТЬСЯ *сов. (несов.* **выка́пываться**) ковлаб-ковлаб чиқиб олмоқ (қум, тупроқ ва ҳ. к. остидан).

ВЫКОПТИТЬ, -пчу, -птишь *сов. (несов.* **выка́пчивать**) *что* 1 дудламоқ; дудлаб қўймоқ; **~ ры́бу** балиқни дудламоқ; 2 дуд (ис, қоракуя) бостирмоқ; **~ стекло́** ойнани дудламоқ; ойнани қоракуя билан қорайтирмоқ.

ВЫКОПТИ/ТЬСЯ, -ится *сов. (несов.* **выка́пчиваться**) 1 дудланмоқ; **бара́ньи языки́ хорошо́ ~лись** қўй тили (тиллари) яхши дудланди; 2 ис босмоқ, дуд билан қопланмоқ; ис босиб қорайиб қолмоқ; **потолки́ ~лись** шиплар ис билан қопланди (ис босиб қорайиб кетди).

ВЫКОРМ *м по гл.* **вы́кормить**; **~ теля́т** бузоқларни боқиш, бузоқларни боқиб катта қилиш.

ВЫКОРМИТЬ, -млю, -мишь *сов. (несов.* **выка́рмливать**) *кого-что* 1 боқмоқ, боқиб катта қилмоқ, ўстирмоқ; **~ телёнка** бузоқни боқиб катта қилмоқ, бузоқни боқмоқ; 2 *прост.* отларни тўйдирмоқ, отларга ем бериб олмоқ (йўлдан олдин).

ВЫКОРМИТЬСЯ, -млюсь, -мишься *сов. (несов.* **выка́рмливаться**) *прост.* яхшилаб (ем еб) тўйиб олмоқ (от ва ҳ. к. ҳақида).

ВЫКОРМКА *ж по гл.* **вы́кормить**: **~ шелкопря́да** ипак қуртини боқиш; ипак қуртига барг бериш.

ВЫКОРМОК *м, р.* **-мка** *прост.* 1 уйда боқилган мол; 2 энага боқиб (эмизиб) катта қилган бола (энагага нисбатан); асранди; 3 *перен. презр.* ёмонлар тарбиясини олган одам; -вачча; **фаши́стский ~** фашиствачча.

ВЫКОРМЫШ *м прост. то же, что* **вы́кормок.**

ВЫКОРЧЕВАТЬ *сов. (несов.* **выкорчёвывать**) *что* 1 илдизи билан суғуриб олмоқ, ковлаб ташламоқ; кундаков қилмоқ; 2 *перен.* илдизи билан қуритмоқ; таг-туги билан йўқ қилмоқ, барҳам бермоқ; **~ бюрократи́зм** бюрократизмни таг-туги билан йўқ қилмоқ, бюрократизмга барҳам бермоқ.

ВЫКОРЧЁВКА *ж по гл.* **вы́корчевать — выкорчёвывать**; **~ куста́рника** бутазорни кундаков қилиб тозалаш.

ВЫКОРЧЁВЫВАНИЕ *с по гл.* **выкорчёвывать**; **~ пней** тўнкаларни ковлаб йўқ қилиш.

ВЫКОРЧЁВЫВАТЬ *несов. см.* **вы́корчевать.**

ВЫКОС *м по гл.* **вы́косить** 1: **приступи́ть к ~у кле́вера** бедани ўришга киришмоқ (тушмоқ); бедани ўра бошламоқ.

ВЫКОСИТЬ, -ошу, -осишь *сов. (несов.* **выка́шивать**) *что* 1 ўрмоқ; ўриб олмоқ, ўриб қўймоқ; **~ луг** ўтлоқдаги ўтларни ўриб олмоқ; 2 *перен. разг.* йўқ қилмоқ, қирмоқ, тутдай тўкиб ташламоқ; **~ пулемётом ряды́ наступа́ющих** ҳужум қилиб келаётганларни пулемёт билан тутдай тўкмоқ.

ВЫКРА́ДЫВАТЬ *несов. см.* **вы́красть.**

ВЫКРА́ДЫВАТЬСЯ I *несов. страд. от* **выкра́дывать.**

ВЫКРА́ДЫВАТЬСЯ II *несов. см.* **вы́красться.**

ВЫКРА́ИВАТЬ *несов. см.* **вы́кроить.**

ВЫКРАСИТЬ, -ашу, -асишь *сов. (несов.* **выкра́шивать** I) *что* бўямоқ, бўяб қўймоқ, бўяб чиқмоқ; **~ сте́ны ма́сляной кра́ской** деворларни мой бўёқ билан бўямоқ; **~ пла́тье в си́ний цвет** кўйлакни ҳаво рангга бўямоқ.

ВЫКРАСИ/ТЬСЯ, -шусь, -асишься *сов. (несов.* **выкра́шиваться** I) 1 бўялмоқ, бўёқни олмоқ; **пла́тье хорошо́ ~лось** кўйлак яхши бўялибди; 2 бўёққа беланмоқ; булганмоқ; бўёқ бўлмоқ; ты весь **~лся** ҳамма ёғинг бўёқ бўлибди; 3 бўямоқ, бўянмоқ; **вы́красить себе́ во́лосы** сочини бўямоқ.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ВЫКРАСТЬ, -аду, -адешь *сов. (несов.* **выкра́дывать**) *кого-что* ўғирламоқ, ўғирлаб олмоқ, ўғирлаб (уриб) кетмоқ.

ВЫКРАСТЬСЯ, -адусь, -адешься *сов. (несов.* **выкра́дываться** II) сездирмасдан чиқиб кетмоқ, шабохун урмоқ.

ВЫКРАШИВАТЬ I *несов. см.* **вы́красить.**

ВЫКРАШИВАТЬ II *несов. см.* **вы́крошить.**

ВЫКРА́ШИВАТЬСЯ I *несов.* 1 *см.* **вы́краситься**; 2 *страд. от* **выкра́шивать** I.

ВЫКРА́ШИВАТЬСЯ II, -ается *несов.* 1 *см.* **вы́крошиться**; 2 *страд. от* **выкра́шивать** II.

ВЫКРЕСТ *м уст.* христиан динига кирган (чўқинтирилган) одам, крашин.

ВЫКРЕСТИТЬСЯ, -ещусь, -естишься *сов. уст.* христиан динига кирмоқ (ўтмоқ), христиан динини қабул қилмоқ, чўқинмоқ.

ВЫКРЕСТКА *ж, р. мн.* **-ток** *уст. см.* **вы́крест.**

ВЫКРИК *м* қичқириқ, ҳайқириқ, бақириқ.

ВЫКРИКИВАНИЕ *с* 1 *по гл.* **выкри́кивать**; 2 *то же, что* **вы́крик.**

ВЫКРИКИВАТЬ *несов. см.* **вы́крикнуть.**

ВЫКРИКНУТЬ *сов. (несов.* **выкри́кивать**) *что* и *без доп.* 1 бақириб (баланд овоз билан) айтмоқ; ~ *чьё-л.* **и́мя** исмини баланд овоз билан айтмоқ; 2 бақириб (баланд овоз билан) чақирмоқ; ~**на у́лицу това́рища** бақириб ўртоғини кўчага чақирмоқ.

ВЫКРИСТАЛЛИЗОВА/ТЬСЯ, -зуется *сов. (несов.* **выкристаллизо́вываться**) 1 кристаллга айланмоқ; кристалланиб чиқмоқ; 2 *перен.* аниқ бир шаклга кирмоқ, шакл олмоқ, шаклланмоқ; **у него́** ~**лась я́сная мысль** унда аниқ бир фикр шаклланди.

ВЫКРИСТАЛЛИЗОВЫВАТЬСЯ, -ается *несов. см.* **вы́кристаллизоваться.**

ВЫКРИЧАТЬ *сов. что прост.* 1 бақириб айтмоқ, бақириқ орқали ифодаламоқ; ~ **душе́вную боль** юрак дардини бақириб айтиб ёзилмоқ; 2 бақириб-чақириб (бақириқ-чақириқ билан) бирор нарсага эришмоқ, муваффақ бўлмоқ.

ВЫКРИЧАТЬСЯ, -чусь, -чишься *сов. прост.* бақириб-чақириб кўнгилни ёзмоқ (юракдагини чиқармоқ); роса бақирмоқ.

ВЫКРОИТЬ *сов. (несов.* **выкра́ивать**) *что* 1 бичмоқ, бичиб олмоқ; ~ **брю́ки** шим бичмоқ; 2 *перен. разг.* эплаб-сеплаб топмоқ, тежаб-тергаб (қисиб-қимтиб) орттирмоқ, тўпламоқ; ~ **де́ньги** *на что-л.* бирор нарсага эплаб-сеплаб (тежаб-тергаб, қисиб-қимтиб) пул орттирмоқ; ~ **вре́мя** эплаб-сеплаб вақт топмоқ.

ВЫКРОИ/ТЬСЯ *сов.* 1 чиқмоқ, етмоқ (бичилганда); 2 *перен. разг.* топилмоқ, топилиб қолмоқ, ортмоқ; ~**лось свобо́дное вре́мя** бўш вақт топилиб қолди.

ВЫКРОЙК/А *ж, р. мн.* **-ек** бичиқ, андаза; ~**а рукава́** енгнинг бичиғи; **сде́лать** ~**у** андаза бичиб олмоқ.

ВЫКРОШИТЬ *сов. (несов.* **выкра́шивать** II) *что разг.* 1 ўртасидан (ичидан) увалатиб (майдалаб, бурдалаб) олмоқ; ~ **мя́киш из хле́ба** нонниг мағзини увалатиб олмоқ; 2 *прост.* уриб синдирмоқ, майда-майда қилмоқ.

ВЫКРОШИ/ТЬСЯ, -ится *сов. (несов.* **выкра́шиваться** II) *разг.* уваланмоқ, бурдаланиб кетмоқ, уваланиб (уқаланиб) тушмоқ; **зуб** ~**лся** тиш уваланиб тушди.

ВЫКРУТАС/Ы *мн. разг.* 1 ғалати қилиқлар; ғайритабиий ҳаракатлар; **выде́лывать нога́ми** ~**ы** оёқлари билан ғалати ҳаракатлар қилмоқ; 2 *перен.* ғалати гаплар, тамтароқли иборалар, лўттибозликлар; **говори́ть с** ~**ами** тамтароқли иборалар билан гапирмоқ.

ВЫКРУТИТЬ, -учу, -утишь *сов. (несов.* **выкру́чивать**) *что* 1 эшмоқ, эшиб ясамоқ, ўрмоқ; ~ **верёвку** арқон ўрмоқ; 2 *разг.* бураб чиқармоқ; ~**ла́мпочку** лампочкани бураб чиқармоқ; 3 *прост.* и *обл.* сиқмоқ, сиқиб ташламоқ; ~ **бельё** кирни сиқиб ташламоқ.

ВЫКРУТИ/ТЬСЯ, -учусь, -утишься *сов. (несов.* **выкру́чиваться**) *разг.* 1 буралиб чиқмоқ, буралиб чиқиб кетмоқ; **ла́мпочка** ~**лась** лампочка буралиб чиқди (чиқиб кетибди); 2 *перен.* иложини (чорасини) топиб қутулмоқ, қутулиб чиқмоқ; ~**ться из затрудне́ний** иложини топиб қийин аҳволдан қутулмоқ.

ВЫКРУ́ЧИВАНИ/Е *с по гл.* **выкру́чивать**; ✦ ~**е рук** қўлини орқасига қайириш; **поли́тика** ~**я рук** қўлини қайириш (зўрлаш, қийнаш) сиёсати.

ВЫКРУ́ЧИВА/ТЬ *несов. см.* **вы́крутить.**

ВЫКРУ́ЧИВАТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **вы́крутиться**; 2 *страд. от* **выкру́чивать.**

ВЫКУВЫРКИВАТЬ *несов. см.* **вы́кувырнуть.**

ВЫКУВЫРКИВАТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **вы́кувырнуться**; 2 *страд. от* **выкувы́ркивать.**

ВЫКУВЫРНУТЬ *сов. (несов.* **вы́кувыркивать**) *кого-что прост.* ағдариб юбормоқ, умбалоқ оширмоқ, алла қилиб йиқитмоқ.

ВЫКУВЫРНУТЬСЯ *сов. (несов.* **выкувы́ркиваться**) *прост.* ағдарилмоқ, ағнаб тушмоқ, умбалоқ ошиб (алла бўлиб) йиқилмоқ.

ВЫКУП *м* 1 *по гл.* **вы́купить**; 2 қайтариб (ёки ажратиб) олиш учун тўланадиган пул, эваз; **внести́** ~ пул (эваз) тўламоқ.

ВЫКУПАТЬ *сов. кого-что* чўмилтирмоқ, ювинтирмоқ; ~ **ребёнка** болани чўмилтирмоқ.

ВЫКУПА́ТЬ *несов. см.* **вы́купить.**

ВЫКУПАТЬСЯ *сов.* чўмилмоқ, ювинмоқ; чўмилиб (ювиниб) олмоқ.

ВЫКУПА́ТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **вы́купиться**; 2 *перен.* ўрни тўлмоқ; 3 *страд. от* **выкупа́ть.**

ВЫКУПИТЬ, -плю, -пишь *сов. (несов.* **выкупа́ть**) 1 *что* пул тўлаб қайтиб олмоқ (гаровга қўйилган нарсани); ~ **зало́женные ве́щи** гаровга қўйилган нарсаларни пул тўлаб қайтиб олмоқ; 2 *кого* пул тўлаб қутқариб (ажратиб) олмоқ; пул эвазига озод қилмоқ; 3 *прост.* ҳаммасини сотиб олмоқ.

ВЫКУПИТЬСЯ, -плюсь, -пишься *сов. (несов.* **выкупа́ться**) пул тўлаб қутулмоқ, пул эвазига озод бўлмоқ; ~ **из плена́** асирликдан пул тўлаб қутулмоқ.

ВЫКУПН/О́Й, -а́я, -о́е қутулиш (ёки қутқариш) учун тўланадиган; ~**ы́е де́ньги** қутулиш (ёки қутқариш) учун тўланадиган пул.

ВЫКУРИВАНИЕ I *с по гл.* **выку́ривать** I; ~ **пчёл** асаларилариларни нарса тутатиб ҳайдаб чиқармоқ.

ВЫКУРИВАНИЕ II *с по гл.* **выку́ривать** II; ~ **спи́рта** спирт тортиш (ҳайдаш).

ВЫКУРИВАТЬ I *несов. см.* **вы́курить** I.

ВЫКУРИВАТЬ II *несов. см.* **вы́курить** II.

ВЫКУРИТЬ I *сов. (несов.* **выку́ривать** I) 1 *что* чекиб битирмоқ, чекиб тамомламоқ; охиригача (тамом бўлгунча) чекмоқ; ~ **папиро́су** папиросни чекиб тамомламоқ; 2 *кого* тутун билан ҳайдамоқ; бирор нарса тутатиб чиқармоқ; ~ **лису́ из норы́** тутун юбориб тулкини инидан чиқармоқ; 3 *перен. кого прост.* ҳайдамоқ, ҳайдаб (сиқиб, ситиб) чиқармоқ, кетишга мажбур қилмоқ; ~ **с рабо́ты** ишдан кетишга мажбур қилмоқ, ишдан сиқиб (ситиб) чиқармоқ.

ВЫКУРИТЬ II *сов. (несов.* **выку́ривать** II) *что уст.* ҳайдамоқ, тортмоқ, тортиб тайёрламоқ; ~ **смолу́** смола ҳайдамоқ.

ВЫКУРИТЬСЯ I *сов.* чекилиб тамом бўлмоқ.

ВЫКУРИТЬСЯ II, -ится *сов. уст.* и *обл.* тортилмоқ (спирт, смола ва ҳ. к. ҳақида).

ВЫКУС *м прост.* тишланган (кемирилган) жой, тиш ўрни

ВЫКУСАТЬ *сов. (несов.* **выку́сывать**) *что прост.* тишлаб (кемириб, ғажиб) емоқ, кемириб (ғажиб) ташламоқ.

ВЫКУСИТЬ, -ушу, -усишь *сов. (несов.* **выку́сывать**) *что* тишлаб узиб олмоқ.

ВЫКУСЫВАТЬ *несов. см.* **вы́кусить** и **вы́кусать.**

ВЫКУША/ТЬ *сов. что* и *чего прост.* ичмоқ, ичиб олмоқ (меҳмонга мурожаатда ишлатилади); ~**йте ча́шечку ко́фе!** бир чашка кофе ичинг (ичиб олинг!).

ВЫЛАВЛИВАТЬ *несов. см.* **вы́ловить.**

ВЫЛАЗИТЬ, -ажу, -азишь *сов. прост.* изғиб чиқмоқ, ҳамма ерга кириб чиқмоқ.

ВЫЛА́ЗИТЬ, -а́жу, -а́зишь *несов. прост. то же, что* **вылеза́ть.**

ВЫЛАЗК/А *ж* 1 панадан чиқиб қўққисдан қилинган ҳужум; **соверши́ть** ~**у в расположе́ние проти́вника** душман позицияларига қўққисдан чиқиб ҳужум қилмоқ; 2 *перен.*

www.ziyouz.com kutubxonasi

кутилмаган душманчилик ҳаракати, ҳамла, хуруж; **банди́тская** ~ босқинчилар ҳамласи (ҳужуми); 3 шаҳардан ташқарига коллектив сайр, чиқиш; **лы́жная** ~ чанғиларда коллектив бўлиб шаҳар ташқарисига (сайрга) чиқиш.

ВЫЛАКА/ТЬ *сов. что* 1 ялаб-юлқаб қўймоқ; шалоб-шалоб еб тамомламоқ; **ко́шка ~ла молоко́** мушук сутни ялаб-юлқаб қўйди (қўйибди); 2 *перен. прост.* батамом (ҳаммасини) ичиб қўймоқ, пок-покиза туширмоқ, урмоқ, томоқдан ўтказмоқ.

ВЫЛАМЫВАТЬ *несов. см.* **вы́ломать** и **вы́ломить.**

ВЫЛАЩИВАТЬ *несов. см.* **вы́лощить.**

ВЫЛАЩИВАТЬСЯ, -ается *несов.* 1 *см.* **вы́лощиться;** 2 *страд. от* **выла́щивать.**

ВЫЛЕЖАТЬ *сов. (несов.* **вылёживать**) маълум муддат ётмоқ; **больно́му ну́жно ~** касал маълум муддат ётиши керак.

ВЫЛЕЖА/ТЬСЯ *сов. (несов.* **вылёживаться**) 1 *разг.* узоқ ётмоқ; анча (бирмунча) вақт ётиб дам олмоқ (ўзига келмоқ); **~ться по́сле утоми́тельной рабо́ты** чарчатадиган ишдан сўнг анча (бирмунча) вақт ётиб дам олмоқ; 2 туриб етилмоқ, тобига келмоқ; **таба́к ~лся** тамаки туриб етилди (етилибди, тобига келибди).

ВЫЛЕЖИВАТЬ *несов. см.* **вы́лежать.**

ВЫЛЕЖИВАТЬСЯ *несов. см.* **вы́лежаться.**

ВЫЛЕЗАТЬ *несов. см.* **вы́лезти.**

ВЫЛЕЗТИ и **ВЫЛЕЗТЬ, -зу, -зешь; вы́лез, -ла** *сов. (несов.* **вылеза́ть**) 1 ўрмалаб (эмаклаб ёки тирмашиб) чиқмоқ; **~ из я́мы** чуқурдан тирмашиб чиқмоқ; 2 *разг.* чиқмоқ, чиқиб олмоқ; **~ из вагона́** вагондан чиқмоқ (чиқиб олмоқ); 3 *перен. разг.* қутулмоқ, халос бўлмоқ, чиқмоқ; **~ из затрудне́ний** қийинчиликдан қутулмоқ; 4 *разг.* кўриниб (чиқиб) қолмоқ; **во́лосы вы́лезли из-под бере́та** сочлари беретдан чиқиб қолди; 5 тўкилмоқ, тушмоқ; тўкилиб (тушиб) кетмоқ; **во́лосы вы́лезли** сочлари тўкилиб кетди.

ВЫЛЕПИТЬ, -плю, -пишь *сов. (несов.* **вылепля́ть**) *что* ясамоқ (пластилиндан, лойдан ва ҳ. к.); **~** *что-л.* **из гли́ны** лойдан бирор нарса ясамоқ.

ВЫЛЕПЛЯТЬ *несов. см.* **вы́лепить.**

ВЫЛЕТ *м* 1 *по гл.* **вы́лететь;** 2 парвоз, учиш; **боево́й ~** *ав.* жанговар учиш; 3 *тех.* қулоч; **~ стрелы́ кра́на** юк кўтарувчи кран стреласининг қулочи.

ВЫЛЕТАТЬ *несов. см.* **вы́лететь.**

ВЫЛЕТЕ/ТЬ, -лечу, -летишь *сов. (несов.* **вылета́ть**) 1 учиб кетмоқ, учиб чиқмоқ; **пти́ца ~ла из гнезда́** қуш уясидан учиб кетди; 2 учиб кетмоқ, жўнамоқ (самолётда); **тури́сты ~ли в Самарка́нд** туристлар Самарқандга учиб кетди; 3 учиб (отилиб) чиқмоқ; **про́бка ~ла** пробка (тиқин) отилиб кетди; 4 *перен. разг.* учиб (отилиб) кетмоқ; йиқилиб тушмоқ; **~ть из седла́** эгардан учиб кетмоқ; 5 *перен.* ўқдай отилиб чиқмоқ; ўқмолича югуриб чиқмоқ, чиқиб қолмоқ; **~ть из ко́мнаты на у́лицу** уйдан кўчага ўқдай отилиб чиқмоқ; 6 *перен. прост.* ҳайдалмоқ, қувилмоқ; **~ть из университе́та** университетдан ҳайдалмоқ; ✦ **~ть из головы́** (или **из па́мяти**) хаёлдан кўтарилмоқ, эсдан чиқмоқ; **~ пу́лей** (или **стрело́й**) ўқдай отилиб чиқмоқ; **~в трубу́** синмоқ, бор-йўғидан ажрамоқ, барбод бўлмоқ.

ВЫЛЕЧИВАТЬ *несов. см.* **вы́лечить.**

ВЫЛЕ́ЧИВАТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **вы́лечиться;** 2 *страд. от* **вылечивать.**

ВЫЛЕЧИТЬ *сов. (несов* **вылечивать**) 1 *кого-что* даволамоқ; даволаб тузатмоқ, соғайтирмоқ; **~ больно́го** беморни даволамоқ, беморни даволаб тузатиб юбормоқ; 2 *перен.* ташламоқ, қутқармоқ, халос қилмоқ, тарк эттирмоқ; **~ от плохи́х привы́чек** ёмон одатлардан қутқармоқ, ёмон одатларни ташлатмоқ (тарк эттирмоқ).

ВЫЛЕЧИТЬСЯ *сов. (несов.* **вылечиваться**) 1 тузалмоқ; соғаймоқ, даво (шифо) топмоқ; тузалиб (соғайиб) кетмоқ; 2 *перен.* ташламоқ, қутулмоқ, халос бўлмоқ, тарк этмоқ; **~ от стра́сти к спиртны́м напи́ткам** ичкиликбозликдан қутулмоқ.

ВЫЛИВАТЬ *несов. см.* **вы́лить.**

ВЫЛИВАТЬСЯ, -а́ется *несов.* 1 *см.* **вы́литься;** 2 *страд. от* **вылива́ть.**

ВЫЛИЗАТЬ, -ижу, -ижешь *сов. (несов.* **вылизывать**) *кого-что* 1 ялаб тозаламоқ, ялаб қўймоқ; **~ таре́лку** тарелкани ялаб қўймоқ; 2 *перен. разг.* яхшилаб (ялагандай ёки чиннидай қилиб) тозаламоқ; ёғ тушса ялагандай (топтоза) қилиб қўймоқ; **~ пол** полни яхшилаб тозаламоқ (чиннидай қилиб қўймоқ).

ВЫЛИЗАТЬСЯ, -ижется *сов. (несов.* **вылизываться**) *прост.* ўзини-ўзи ялаб тозаламоқ, яланиб бўлмоқ.

ВЫЛИЗЫВАТЬ *несов. см.* **вы́лизать.**

ВЫЛИЗЫВАТЬСЯ, -ается *несов.* 1 *см.* **вы́лизаться;** 2 *страд. от* **вылизывать.**

ВЫЛИНЯ/ТЬ, -яет *сов.* 1 ранги ўчмоқ, айнимоқ, ўнгмоқ; айниб (ўнгиб) кетмоқ; **си́тец ~л** чит айниб кетди; 2 юнги тўкилмоқ, тулламоқ; пўст ташламоқ; ✦ **~вшая соба́ка** юнги тўкилиб кетган (туллаган) ит.

ВЫЛИТЫЙ, -ая, -ое 1 *прич. от* **вы́лить;** 2 *в знач. прил. разг.* худди ўзи, ўзгинаси, қуйиб қўйгандай ўхшаш; **он — ~ оте́ц** у отасининг худди ўзи (ўзгинаси).

ВЫЛИТЬ, -лью, -льешь *сов. (несов.* **выливать**) *что* тўкмоқ, тўкиб ташламоқ; қуймоқ; ағдармоқ; **~ во́ду из ведра́** челакдаги сувни тўкиб (ағдариб) ташламоқ; **~ молоко́ из цисте́рны в бидо́ны** сутни цистернадан бидонларга қуймоқ; 2 *перен.* айтмоқ, изҳор қилмоқ, тўкиб солмоқ; сочмоқ; **~ гнев** ғазабини сочмоқ; 3 эритиб қуймоқ, қуйиб ясамоқ; **ста́туя вы́лита из бро́нзы** ҳайкал бронзадан қуйилган; 4 *обл.* инига сув қуйиб ҳайдаб чиқармоқ.

ВЫЛИТЬСЯ, -льется *сов. (несов.* **выливаться**) 1 тўкилмоқ, қуйилмоқ; тўкилиб кетмоқ; **вода́ вы́лилась из бо́чки** бочкадан сув тўкилди (тўкилиб кетди); 2 *перен.* айтилмоқ, изҳор қилинмоқ; намоён бўлмоқ; 3 *перен. во что* бирор тус (шакл) олмоқ; бирор оқибатга бориб етмоқ; **во что э́то вы́льется?** бу қандай тус олади?; бундан нималар келиб чиқади?

ВЫЛОВ *м спец.* 1 *по гл.* **вы́ловить; ~ ры́бы** балиқ овлаш (тутиш); 2 овланган балиқ миқдори; **ме́сячный ~** бир ойда овланган балиқ (миқдори).

ВЫЛОВИТЬ, -влю, -вишь *сов. (несов.* **выла́вливать**) *кого-что* 1 тутмоқ; тутиб олмоқ; **~ бревно́ из воды́** сувдаги ходани тутиб олмоқ; **~ сома́** лаққа балиқ тутмоқ; лаққа балиқни тутиб олмоқ; 2 *разг.* ҳаммасини тутиб олмоқ, тутиб (овлаб) битирмоқ, тамом қилмоқ, қуритмоқ; **~ всю ры́бу в пруду́** ҳовуздаги ҳамма балиқни овлаб тамомламоқ.

ВЫЛОЖИТЬ *сов. (несов.* **выкла́дывать**) *что* 1 олиб қўймоқ, ёймоқ; олиб (ёйиб) кўрсатмоқ; **~ ве́щи из чемода́на** чамадондаги нарсаларни олиб қўймоқ; 2 *что чем* ётқизмоқ, қопламоқ, термоқ; **~ бассе́йн мра́мором** ҳовузга мармар ётқизмоқ, ҳовузни мармар билан қопламоқ; 3 *перен. разг.* борини айтмоқ, изҳор қилмоқ, тўкиб солмоқ; **~ всю пра́вду** бор ҳақиқатни айтиб бермоқ; 4 кўтармоқ, қурмоқ, барпо қилмоқ; 5 тикиб бежамоқ; 6 *обл.* ахта қилмоқ, бичмоқ.

ВЫЛОЖИТЬСЯ, -ится *сов. (несов.* **выкла́дываться**) *разг.* бутун кучини бермоқ; **~ на фи́нише** финишга яқин бор кучини сарфламоқ.

ВЫЛОМАТЬ *сов. (несов.* **выла́мывать**) *что* бузиб чиқариб олмоқ, синдириб ташламоқ; **~ дверь** эшикни бузиб олмоқ (синдириб ташламоқ); **~ замо́к** қулфни бузиб очмоқ.

ВЫЛОМАТЬСЯ, -ается *сов.* синиб (бузилиб) чиқмоқ.

ВЫЛОМИТЬ, -млю, -мишь *сов. (несов.* **выла́мывать**) *разг.* бир уриб (тепиб ва ҳ. к.) синдирмоқ, бир галда бузмоқ; **~ око́нную ра́му** бир уриб (тепиб) дераза ромларини синдирмоқ.

ВЫЛО́МИТЬСЯ, -ится *сов. разг.* бир уришда (тепишда ва ҳ. к.) олиниб тушмоқ, бир галда бузилиб чиқмоқ.

ВЫЛОЩЕНН/ЫЙ, -ая, -ое 1 *прич. от* **вы́лощить;** 2 *в знач. прил.* ялтираган, сайқал (пардоз, жило) берилган, ялтироқ, йилтироқ; **~ая шля́па** ялтираган (йилтироқ) шляпа; 3 *перен. в знач. прил.* ясан-тусан, ясанган, ўзига оро берган, олифта, серпардоз; сержило, бежама; **~ый слог** бежама (бежамдор) услуб; **~ые мане́ры** бежамдор қилиқлар.

ВЫЛОЩИТЬ, -щу, -щишь *сов. (несов.* **выла́щивать**) 1 *что* ялтиратмоқ, сайқал (пардоз, жило) бермоқ; **~ парке́т** паркетни ялтиратмоқ; 2 *перен. кого-что* бежамоқ, оро (жило) бермоқ.

ВЫЛОЩИТЬСЯ, -ится *сов. (несов.* **выла́щиваться**) ялтирамоқ, жило (сайқал) олмоқ.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ВЫЛУДИТЬ, -ужу, -удишь *сов. (несов.* **вылу́живать**) *что* қалай югуртириб оқартирмоқ, қалай билан қопламоқ; ~ **посу́ду** идишни (қалай югуртириб) оқартирмоқ.

ВЫЛУ́ЖИВАТЬ *несов. см.* **вылудить.**

ВЫЛУПИТЬ, -плю, -пишь *сов. (несов.* **вылу́пливать** и **вылупля́ть**) *что* 1 *прост.* пўстини олмоқ, пўстини олиб тозаламоқ, арчмоқ; ~ **яйцо́** тухумнинг пўстлоғини тозаламоқ; 2 *груб. прост.* ола-кула қилмоқ; бақрайтирмоқ, чақчайтирмоқ; катта очмоқ; ~ **глаза́** кўзини бақрайтирмоқ; кўзини ола-кула қилиб (бақрайиб) қарамоқ.

ВЫЛУПИ́/ТЬСЯ, -ится *сов. (несов.* **вылу́пливаться** и **вылупля́ться**) 1 тухумдан чиқмоқ, тухумини очиб чиқмоқ; 2 *груб. прост.* бақраймоқ, бақрайиб (кўзни ола-кула қилиб) қарамоқ; **что** ~**лся!** нимага бақраясан (кўзингни ола-кула қиласан)!

ВЫЛУ́ПЛИВАТЬ *несов. см.* **вы́лупить.**

ВЫЛУ́ПЛИВАТЬСЯ, -ается *несов. см.* **вы́лупиться.**

ВЫЛУПЛЯ́ТЬ *несов. см.* **вы́лупить.**

ВЫЛУПЛЯ́ТЬСЯ, -я́ется *несов. см.* **вы́лупиться.**

ВЫЛУЩИВАТЬ *несов. см.* **вы́лущить.**

ВЫЛУЩИТЬ *сов. (несов.* **вылу́щивать**) *что* 1 оқламоқ, тозаламоқ, пўстини (пўчоғини) олмоқ; ~ **горо́х** нўхатни оқламоқ; 2 *мед.* кесиб олиб ташламоқ; ~ **кость** суякни кесиб олиб ташламоқ.

ВЫМАЗАТЬ, -ажу, -ажешь *сов. (несов.* **вымáзывать**) *что* 1 суртмоқ, суркамоқ; сувамоқ; ~ **печь гли́ной** печкани лой билан сувамоқ; 2 *разг.* булғамоқ, булғаб ифлос (кир) қилмоқ; ~ **подо́л пла́тья в грязи́** кўйлакнинг этакларини лойга булғамоқ (лой қилмоқ); 3 *разг.* ишлатиб (суркаб ёки бўяб) тамом қилмоқ; ~ **всю кра́ску** ҳамма бўёқни ишлатиб тамом қилмоқ.

ВЫМАЗА́ТЬСЯ, -ажусь, -ажешься *сов. (несов.* **вымáзываться**) *разг.* 1 булғанмоқ, булғаниб ифлос (кир) бўлмоқ; 2 ишлатилиб кетмоқ, тамом бўлмоқ (мой, бўёқ ва ш. к. ҳақида).

ВЫМАЗЫВАТЬ *несов. см.* **вы́мазать.**

ВЫМАЗЫВАТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **вы́мазаться**; 2 *страд. от* **вымáзывать.**

ВЫМАКАТЬ *сов. что разг.* ботираверіб (ботириб-ботириб) тамом қилмоқ; ~ **всё варе́нье** нон ботириб мураббони тамом қилмоқ, мураббони нон ботириб еб қўймоқ.

ВЫМАЛИВАТЬ *несов. см.* **вы́молить.**

ВЫМАНИВАТЬ *несов. см.* **вы́манить.**

ВЫМАНИТЬ *сов. (несов.* **вымáнивать**) 1 *кого* имо-ишора билан (ёки алдаб, қизиқтириб) чақириб олмоқ; 2 *что* айёрлик билан қўлга киритмоқ, алдаб-сулдаб олмоқ; ~ **де́ньги** алдаб пул(ини) олмоқ.

ВЫМАРАТЬ *сов. (несов.* **вымáрывать**) *что прост.* 1 беламоқ, булғамоқ, ифлос (кир) қилмоқ; ~ **ру́ки в кра́ске** қўлларини бўёқ қилмоқ (бўёққа беламоқ); 2 ўчирмоқ, ўчириб (чизиб) ташламоқ; ~ **строку́** сатрни ўчирмоқ, сатрни чизиб ташламоқ.

ВЫМАРА́ТЬСЯ *сов. (несов.* **вымáрываться**) *прост.* ифлос (кир) бўлмоқ, беланмоқ, булғанмоқ.

ВЫМАРИВАТЬ *несов. см.* **вы́морить.**

ВЫМАРЫВАТЬ *несов. см.* **вымарать.**

ВЫМАРЫВАТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **вы́мараться**; 2 *страд. от* **вымáрывать.**

ВЫМАТЫВАТЬ *несов. см.* **вы́мотать.**

ВЫМАТЫВАТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **вы́мотаться**; 2 *страд. от* **вымáтывать.**

ВЫМАХАТЬ *сов. (несов.* **вымáхивать**) *прост.* 1 *что* елпиб (ҳайдаб) чиқармоқ; ~ **мух из по́лога** пашшахонадан пашшаларни ҳайдаб чиқармоқ; 2 *что* силтаб чиқариб юбормоқ, майиб бўлмоқ; 3 катта бўлмоқ, бўйи баланд бўлиб (ўсиб) кетмоқ.

ВЫМАХИВАТЬ *несов. см.* **вы́махать** и **вы́махнуть.**

ВЫМАХНУТЬ *сов. (несов.* **вымáхивать**) *прост.* 1 ғиз этиб отилиб чиқмоқ, лоп (лов) этиб кўтарилмоқ; 2 бирдан пайдо бўлиб (чиқиб) қолмоқ; 3 *то же, что* **вы́махать** 3.

ВЫМА́ЧИВАТЬ *несов. см.* **вы́мочить.**

ВЫМА́ЧИВАТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **вы́мочиться**; 2 *страд. от* **вымáчивать.**

ВЫМАЩИВАТЬ *несов. см.* **вы́мостить**

ВЫМЕНИВАТЬ *несов. см.* **вы́менять.**

ВЫМЕНЯТЬ *сов. (несов.* **вымéнивать**) *кого-что на что* айирбошламоқ, алиштириб (айирбошлаб) олмоқ, алиштирмоқ, алмашмоқ.

ВЫМЕР/ЕТЬ, -мрет *сов. (несов.* **вымира́ть**) 1 қирилиб (йўқ бўлиб) кетмоқ, ўлиб (қирилиб) битмоқ, тухуми қуримоқ (қуриб кетмоқ); **плéмя** ~**ло** қабила қирилиб битди (битган); ~**шие живóтные** тухуми қуриб кетган ҳайвонлар; 2 халқи қирилиб ҳувиллаб (бўм-бўш бўлиб) қолмоқ; **го́род** ~ шаҳар (халқи қирилиб) ҳувиллаб (бўм-бўш бўлиб) қолди.

ВЫМЕРЗАНИЕ *с по гл.* **вымерза́ть**; ~ **фрукто́вых дере́вьев** мевали дарахтларнинг совуқ уриб нобуд бўлиши.

ВЫМЕРЗА́ТЬ *несов. см.* **вы́мерзнуть.**

ВЫМЕРЗ/НУТЬ, -нет; **вы́мерз**, -ла *сов. (несов.* **вымерза́ть**) 1 совуқ урмоқ, совуқ уриб кетмоқ, совуқ уриб нобуд бўлмоқ; **посе́вы** ~**ли** экинларни совуқ уриб кетди; экинлар, совуқ уриб, нобуд бўлди; 2 ич-ичигача музламоқ, тагигача музлаб қолмоқ; **вода́** ~**ла** сув тагигача музлаб қолди.

ВЫМЕРИВАТЬ *несов. см.* **вы́мерить** и **вы́мерять.**

ВЫМЕРИТЬ *сов. (несов.* **вымéривать** и **вымеря́ть**) *что* диққат билан ўлчамоқ, аниқ ўлчаб чиқмоқ; ~ **пло́щадь** майдонни (юзани) аниқ ўлчаб чиқмоқ.

ВЫМЕРЯТЬ *сов. что разг. то же, что* **вы́мерить.**

ВЫМЕРЯ́ТЬ *несов. см.* **вы́мерить** и **вы́мерять.**

ВЫМЕСИТЬ, -ешу, -есишь *сов. (несов.* **вымéшивать**), *что* яхшилаб қормоқ (мас., хамирни); пишитмоқ (лойни); ~ **те́сто** хамирни яхшилаб қормоқ.

ВЫМЕСТИ, -мету, -метешь *сов. (несов.* **выметá́ть**) *что* супуриб чиқмоқ (қўймоқ); супуриб ташламоқ; ~ **сор** хас-чўпни супуриб ташламоқ; ~ **пол** полни супуриб чиқмоқ (қўймоқ).

ВЫМЕСТИСЬ, -метется *сов. см.* **выметáться 2.**

ВЫМЕСТИТЬ, -ещу, -естишь *сов. (несов.* **вымещáть**) *что* 1 ўч олмоқ, қасд олмоқ; 2 *на ком-чём* аламини бировга сочмоқ (бировдан олмоқ); ~ **зло́бу на дома́шних** аламини уйдагиларга сочмоқ (уйдагилардан олмоқ).

ВЫМЕТАТЬ I, -ечу, -ечешь *сов. (несов.* **вымётывать** I) *что* 1 *разг.* (секин-секин, бир четидан) ташламоқ, туширмоқ; ~ **не́вод** тўрни (секин-секин, бир четидан) сувга ташламоқ; 2 уруғ ташламоқ (қўймоқ); 3 чиқармоқ, отмоқ; ~ **ко́лос** бошоқламоқ, бошоқ чиқармоқ (тортмоқ); ~ **плéти** палак отмоқ.

ВЫМЕТАТЬ II, -аю, -аешь *сов. (несов.* **вымётывать** II) *что* йўрмамоқ, чокламоқ; йўрмаб қўймоқ, чоклаб чиқмоқ; ~ **пе́тли** тугма тешигини йўрмамоқ (йўрмаб қўймоқ).

ВЫМЕТА́ТЬ *несов. см.* **вы́мести.**

ВЫМЕТА/ТЬСЯ, -ается *сов.* 1 униб (ўсиб) чиқмоқ; очилмоқ; ~**вшиеся всхо́ды пшени́цы** униб чиққан буғдой майсалари; 2 уруғини қўйиб (уруғ ташлаб) бўлмоқ (мас., балиқлар ҳақида).

ВЫМЕТА́/ТЬСЯ *несов.* 1 *страд. от* **выметáть**; 2 *(сов.* **вы́местись**) *груб. прост.* жўнамоқ, кетмоқ; жўнаб қолмоқ, туёғини шиқиллатмоқ, ~**йся отсю́да!** бу ердан жўнаб қол (туёғингни шиқиллат)!

ВЫМЕТИТЬ, -ечу, -етишь *сов. что прост.* белги қўйиб (белгилаб) чиқмоқ.

ВЫМЕТНУ́ТЬ *сов.* и *однокр. (несов.* **вымётывать** I) *что разг.* шиддат билан отиб юбормоқ, ўқдай учириб юбормоқ.

ВЫМЕТНУ/ТЬСЯ *сов.* 1 *разг.* шиддат билан отилмоқ, лип этиб ташланмоқ; тушмоқ, тушиб кетмоқ; **ко́шка** ~**лась из окна́** мушук лип этиб деразадан тушиб кетди; 2 тўсатдан пайдо бўлмоқ; лип (ғир) этиб чиқиб қолмоқ; ғириллаб чиқиб олмоқ; **на бугóр** ~**лись всáдники** отлиқлар ғир этиб тепаликка чиқиб олдилар.

ВЫМЁТЫВАТЬ I *несов. см.* **выметáть** I и **вы́метнуть.**

ВЫМЁТЫВАТЬ II *несов. см.* **вы́метать** II.

ВЫМЕШАТЬ *сов. (несов.* **вымéшивать** II) *что* яхшилаб аралаштирмоқ, қориштирмоқ; ~ **и́звесть с песко́м** оҳак ва қумни яхшилаб аралаштирмоқ (қориштирмоқ).

ВЫМЕ́ШИВАТЬ I *несов. см.* **вы́месить.**

ВЫМЕ́ШИВАТЬ II *несов. см.* **вы́мешать.**

ВЫМЕЩА́ТЬ *несов. см.* **вы́местить.**

ВЫМИНА́ТЬ *несов см.* **вы́мять.**

www.ziyouz.com kutubxonasi

ВЫМИРА́НИЕ *с по гл.* **вымира́ть; жи́тели ге́тто, обре́чённые на нищету́** и ~ геттоларнинг очлик ва қирилиб йўқ бўлишга маҳкум аҳолиси.

ВЫМИРА́ТЬ *несов. см.* **вы́мереть.**

ВЫМОГА́ТЕЛЬ *м* қўрқитиб (ёки дўқ-пўписа ва бошқа йўллар билан) ундирувчи, олувчи, товламачи, тамагир, юлғич.

ВЫМОГА́ТЕЛЬНИЦА *ж см.* **вымога́тель.**

ВЫМОГА́ТЕЛЬСТВО *с* қўрқитиб (ёки дўқ-пўписа ва бошқа йўллар билан) ундириш, олиш, муташ; товламачилик, тамагирлик, юлғичлик.

ВЫМОГА́ТЬ *несов. что, чего* қўрқитиб (ёки дўқ-пўписа ва бошқа йўллар билан) ундирмоқ, олмоқ, мутамоқ, товламоқ, юлмоқ; ~ **де́ньги** қўрқитиб (ёки товлаб) пулини олмоқ.

ВЫМОИНА *ж обл.* сел (тошқин ва ҳ. к.) ўпириб кетган жой, жар.

ВЫМОКА́ТЬ *несов. см.* **вы́мокнуть.**

ВЫМОК/НУТЬ, -ну, -нешь; вы́мок, -ла *сов. (несов.* **вымока́ть**) 1 ивимоқ, ивиб кетмоқ; ~**нуть до после́дней ни́тки** ич-ичигача ивиб кетмоқ, шилта-шалаббо бўлмоқ; 2 намгарчиликдан нобуд бўлмоқ; зах босиб чириб қолмоқ; **хлеб на поля́х** ~ далада буғдой зах босиб чириб қоляпти; 3 ивимоқ; ивиб юмшамоқ; **селёдка** ~**ла** селёдка ивиди; **лён** ~ зиғирпоя ивиди.

ВЫМОЛ *м спец.* жириш (тегирмон охиридаги серкепак ун).

ВЫМОЛА́ЧИВАТЬ *несов. см.* **вы́молотить.**

ВЫМОЛВИ/ТЬ, -влю, -вишь *сов. что разг.* демоқ, айтмоқ, гапирмоқ, оғиз очмоқ; **сло́ва не** ~**л за весь день** бутун кун бир сўз айтмади (индамади, оғиз очмади).

ВЫМОЛИ́ТЬ *сов. (несов.* **вымо́ливать**) *что* тилаб олмоқ, ялиниб-ёлвориб (илтижо қилиб) ундирмоқ (ёки кўндирмоқ); ~ **проще́ние** ялиниб-ёлвориб кечиришга кўндирмоқ (кечиртирмоқ).

ВЫМОЛО́Т *м* 1 *по гл.* **вы́молотить;** ~ **джугары́** жўхори янчиш; 2 янчиб олинган ғалла; 3 янчилган ҳосил миқдори.

ВЫМОЛО́ТИТЬ, -лочу, -лотишь *сов. (несов.* **вымола́чивать**) *что* янчмоқ, янчиб олмоқ (қўймоқ); ~ **пшени́цу** буғдой янчмоқ, буғдойни янчиб олмоқ.

ВЫМОЛО́ТКИ *мн. обл.* хирмон қолдиғи (таги).

ВЫМОРА́ЖИВАТЬ *несов. см.* **вы́морозить.**

ВЫМОРИ́ТЬ *сов. (несов.* **вымо́ривать**) *кого-что* оч қолдириб (қўйиб) қирмоқ, очликдан (ёки заҳарлаб) ўлдирмоқ; ~ **мыше́й** сичқонларни заҳарлаб ўлдирмоқ (қирмоқ); ~ **го́лодом** оч қолдириб ўлдирмоқ.

ВЫМОРО́ЗИТЬ, -рожу, -розишь *сов. (несов.* **вымора́живать**) 1 *что* музлай қилмоқ, музлатмоқ; совуққа қотирмоқ; ~ **помеще́ние** бинони музлай қилмоқ; 2 совуқда қолдириб (шамоллатиб) қуритмоқ; ~ **бельё** кирни совуқда шамоллатиб қуритмоқ; 3 музлатиб ўлдирмоқ, қирмоқ; ~ **тарака́нов** суварақларни музлатиб қирмоқ.

ВЫМОРО́ЧН/ЫЙ, -ая, -ое эгасиз (байталмон, сабил) қолган; сабил; ~**ое имущество́** эгасиз (байталмон, сабил) қолган мулк, байтулмол.

ВЫМОСТИ́ТЬ, -ощу, -остишь *сов. (несов.* **выма́щивать**) *что* тош термоқ, тош ётқизмоқ.

ВЫМОТА́ТЬ *сов. (несов.* **выма́тывать**) *разг.* 1 *что* ўрамоқ, калаваламоқ; ўраб (калавалаб) қўймоқ; ~**два мотка́ ни́ток** икки коптоқ ип ўрамоқ; 2 *кого что прост.* тинкасини (силласини) қуритмоқ, ҳолдан тойдирмоқ; ~ **все си́лы** тинка-мадорини қуритмоқ, сулайтирмоқ; ✦ ~ **(всю) ду́шу** жонини олмоқ, жонини кўзига кўрсатмоқ, роса (тоза) қийнамоқ.

ВЫМОТА́ТЬСЯ *сов. (несов.* **выма́тываться**) *разг.* 1 ўралмоқ, калава (коптоқ) бўлмоқ; 2 тинкаси (силласи) қуримоқ, ҳолдан тоймоқ, сулаймоқ.

ВЫМОЧИ́/ТЬ *сов. (несов.* **вымо́чивать**) *разг.* 1 *кого-что* намламоқ, ҳўлламоқ; нам (ҳўл) қилмоқ, ивитмоқ, бўктирмоқ; **дождь** ~**л нас до после́дней ни́тки** ёмғир ич-ичимизгача ҳўл қилди (ич-ичимизга ўтиб кетди); 2 *что* ивитмоқ; ивитиб юшматмоқ; ~**ть селёдку** селёдкани ивитмоқ; ~**ть ко́жу** кўнни ивитиб юмшатмоқ; 3 *что* ортиқча сув бериб нобуд қилмоқ, зах бостириб чиритмоқ.

ВЫМОЧИ́ТЬСЯ *сов. (несов.* **вымо́чиваться**) *разг.* ҳўл (нам) бўлмоқ, шилта бўлмоқ, бўкмоқ, ивиб кетмоқ; ~ **под дождём** ёмғирда ивиб кетмоқ.

ВЫМО́ЧКА *ж* 1 *разг.* и *спец. по гл.* **вы́мочить** 2; ~ **ко́жи** терини ивитиш; 2 *обл.* намгарчиликдан (зах босиб) экин-тикин нобуд бўлган ер(лар).

ВЫМПЕЛ *м* вимпел (1 ҳарбий кемаларда: узун, камбар байроқча, таниқлик белгиси; 2 учиш аппаратларидан ташланадиган шартли белги, мас., байроқча, ичига хат-хабар ва ҳ. к. солинган қутича, идиш; **сове́тский** ~ **на Луне́** Ойга ташланган (туширилган) совет вимпели; 3 умуман бирор нарсанинг рамзи бўлган байроқча; **переходя́щий** ~ кўчма вимпел).

ВЫМУЧЕ́НН/ЫЙ, -ая, -ое 1 *прич. от* **вы́мучить;** 2 *в знач. прил.* зўрлаб (ўзини қийнаб) топилган, қўлдан келса-келмаса уриниб қилинган; зўрма-зўраки; ~**ая улы́бка** зўрма-зўраки илжайиш.

ВЫМУ́ЧИВАТЬ *несов. см* **вы́мучить.**

ВЫМУ́ЧИТЬ *сов. (несов.* **вымо́чивать**) *что уст. и разг.* зўрлаб (зўрлик билан) топмоқ; қийналиб (қўлдан келса-келмаса уриниб) қилмоқ; ~ **ри́фму** қийналиб қофия топмоқ.

ВЫМУШТРОВА́ТЬ *сов. см.* **муштрова́ть.**

ВЫМЧА/ТЬ *сов. кого-что* тез (ғизиллатиб, зинғиллатиб, елдай учириб) олиб чиқмоқ; **конь** ~**л бойца́ из окруже́ния** от жангчини елдай учириб қуршовдан олиб чиқди.

ВЫМЧА́ТЬСЯ *сов.* тез (ғизиллаб, елдай учиб) чиқмоқ, зинғиллаб чиқиб олмоқ; ~ **на бугро́р** ғизиллаб (зинғиллаб, елдай учиб) тепаликка чиқиб олмоқ.

ВЫМЫВА́НИЕ *с по гл.* **вымыва́ть;** ~ **соле́й из по́чвы** тупроқнинг шўрини ювиш.

ВЫМЫВА́ТЬ *несов. см.* **вы́мыть.**

ВЫМЫС/ЕЛ *м, р.* **-сла** тўқима; уйдирма; **поэти́ческий** ~**ел** поэтик тўқима; 2 уйдирма, хаёлий нарса, ёлғон гап; **не ве́рить** ~**лам** уйдирмаларга ишонмаслик.

ВЫМЫСЛИ́ТЬ *сов. (несов.* **вымышля́ть**) *что уст.* ўйлаб чиқармоқ, уйдирмоқ, тўқимоқ, тўқиб-чатмоқ.

ВЫМЫ́ТЬ, -мою, -моешь *сов. (несов.* **вымыва́ть**) 1 *кого-что* ювмоқ, ювиб қўймоқ, ювиб тозаламоқ; ~ **посу́ду** идиш(лар)ни ювмоқ, идиш-оёқни ювиб қўймоқ; 2 *что* ўпириб (ўйиб) кетмоқ; **я́ма, вы́мытая дождя́ми** ёмғир ўпириб ҳосил қилган чуқур; 3 ювмоқ, ювиб ташламоқ, ювиб кетказмоқ; ~ **пятно́** доғни ювиб ташламоқ.

ВЫМЫ́ТЬСЯ, -моюсь, -моешься *сов.* ювинмоқ, чўмилмоқ; ~ **в ба́не** ҳаммомда чўмилмоқ.

ВЫМЫШЛЕ́НН/ЫЙ, -ая, -ое 1 *прич. от* **вы́мыслить;** 2 *в знач. прил.* хаёлий, ўйлаб чиқарилган, тўқилган; тўқиб-чатилган, уйдирма; ~**ая исто́рия** тўқилган воқеа; ~**ые имена́** ўйлаб чиқарилган (тўқилган) номлар.

ВЫМЫШЛЯ́ТЬ *несов. см.* **вы́мыслить.**

ВЫМЯ *с, р.* **-мени** елин, эмчак; **коро́вье** ~ сигир елини.

ВЫМЯ́ТЬ, вы́мну, вымнешь *сов. (несов.* **вымина́ть**) *что* 1 ийламоқ, эзиб (ийлаб) юмшатмоқ, юмшоқ қилмоқ; пишитмоқ; ~ **ко́жу** терини ийламоқ (ийлаб юмшатмоқ); ~ **гли́ну** лойни пишитмоқ; 2 эзиб (босиб) чуқур қилмоқ, ўймоқ; 3 босиб ташламоқ, поймол (пайҳон) қилмоқ, оёқ ости қилмоқ; ~ **траву́** ўтни поймол (пайҳон) қилмоқ.

ВЫНА́ШИВАТЬ *несов. см.* **вы́носить;** ~ **бредо́вые пла́ны** хом хаёл режаларни кўтариб (ўйлаб) юрмоқ.

ВЫНА́ШИВАТЬСЯ, -ается *несов.* 1 *см.* **вы́носиться;** 2 *страд. от* **вына́шивать.**

ВЫНЕСЕ́НИЕ *с по гл.* **вы́нести;** ~ **пригово́ра** ҳукм қилиш, ҳукм чиқариш; ~ **за ско́бки** қавсдан (ташқарига) чиқариш.

ВЫНЕСТИ́, -су, -сешь; вы́нес, -ла *сов. (несов.* **выноси́ть**) 1 *кого-что* кўтариб олиб чиқмоқ, олиб чиқиб қўймоқ; чиқариб ташламоқ; ~ **ве́щи из вагона́** вагондан нарсаларни олиб чиқмоқ; ~ **из огня́** олов (аланга, ўт) орасидан олиб чиқмоқ; 2 *что* алоҳида (чиқариб, туширib) бермоқ, алоҳида кўрсатмоқ; ~ **примеча́ния в коне́ц** изоҳларни (китоб ва ҳ. к.) охирида бермоқ; 3 *что* муҳокамага қўймоқ, тавсия этмоқ, олиб чиқмоқ; ~ **реше́ние коми́ссии на собра́ние** комиссия қарорини мажлис муҳокамасига қўймоқ; 4 *кого-что* тез (ғизиллатиб) олиб чиқмоқ, олиб кетмоқ; **ло́шади вы́несли са́ни на поля́ну** отлар чанани ғизиллатиб сайҳонга олиб чиқди; 5 *кого-что* оқизиб олиб чиқмоқ, олиб кетмоқ,

www.ziyouz.com kutubxonasi

чиқариб ташламоқ; **волно́й ло́дку вы́несло на бе́рег** тўлқин қайиқни қирғоққа олиб чиқди (чиқариб ташлади); 6 *перен. что* чиқармоқ, ҳосил қилмоқ; ~ **хоро́шее впечатле́ние** яхши таассурот олмоқ; ~ **убежде́ние** *в чём-л.* бирор нарсага ишонч ҳосил қилмоқ; 7 *что* олдинга чиқармоқ, олдинга чиқариб қўймоқ; 8 *что* чидамоқ, сабр қилмоқ, туриш (дош, бардош) бермоқ; ~ **си́льную боль** қаттиқ оғриққа чидамоқ; ~ **тру́дности** қийинчиликларга чидамоқ (дош, бардош бермоқ); қийинчиликларни енгмоқ; 9 баъзи отлар билан келиб, уларда ифодаланган иш-ҳаракатнинг амалга оширилишини билдиради; ~ **благода́рность** *кому-л.* ташаккур эълон қилмоқ; ~ **реше́ние** қарор чиқармоқ; ~ **приговор** ҳукм чиқармоқ; ✦ ~ **за ско́бки** *мат.* қавсдан(ташқарига) чиқармоқ; ~ **на свои́х плеча́х** бутун оғирликни елкасида кўтармоқ; ҳамма ишни якка ўзи бажармоқ.

ВЫНЕС/ТИСЬ, **-сусь**, **-сешься**; **вы́несся**, **-лась** *сов. (несов.* **выноси́ться**) югуриб (елдай учиб) чиқмоқ; лоп этиб чиқиб қолмоқ; **на опу́шку ~лись ко́нники** отлиқлар ўрмон четига елдай учиб (отларини елдай учириб) чиқдилар; ўрмон четидан лоп этиб отлиқлар чиқиб қолди.

ВЫНИЗАТЬ, **-ижу**, **-ижешь** *сов. (несов.* **выни́зывать**) *что уст.* ипга тизмоқ, тизиб безамоқ, тикмоқ.

ВЫНИЗЫВАТЬ *несов. см.* **вы́низать.**

ВЫНИМА́ТЬ *несов. см.* **вы́нуть.**

ВЫНИМА́/ТЬСЯ, **-а́ется** *несов.* 1 *см.* **вы́нуться**; 2 *разг.* олинмоқ, суғурилмоқ, суриладиган (олинадиган) бўлмоқ, чиқмоқ; **я́щик стола́ не** ~**ется** столнинг яшиги (тортмаси) суғурилмаяпти (олинмаяпти); 3 *страд. от* **вынима́ть.**

ВЫНОС *м* 1 *по гл.* **выноси́ть — вы́нести** 1—3, 7; 2 олиб чиқиш, кўтариш (жасадни); 3 тиркаш (аравага қўшимча от тиркаш); 4 сувда оқиб келган (сув оқизиб келган) нарса.

ВЫНОСИТЬ, **-ошу**, **-осишь** *сов. (несов.* **вына́шивать**) 1 *кого* болани вақтида (ой-кунига етказиб) туғмоқ; 2 *перен. что* ўйлаб юрмоқ, кўтариб юрмоқ; каллада (мияда) обдан ўйлаб пиширмоқ; ~ **но́вый план** янги планни ўйлаб юрмоқ; 3 *что разг.* кийиб эскиртмоқ, кийиб тўзитмоқ; 4 *что разг.* бирма-бир (битта-битта) ташиб олиб чиқмоқ; 5 *кого-что охот.* қўлда кўтариб овга ўргатмоқ (қушни); ✦ ~ **на свои́х рука́х** ўз қўлида кўтариб катта қилмоқ.

ВЫНОСИ́ТЬ, **-ошу́**, **-о́сишь** *несов. см.* **вы́нести**; ✦ **не** ~ *кого-чего* ёқтирмаслик, тоқат қила олмаслик, тоқати йўқлик.

ВЫНОСИ/ТЬСЯ, **-ится** *сов. (несов.* **вына́шиваться**) 1 мияда (обдан ўйланиб) пишмоқ; ~**ться в мы́слях** мияда (пухта ўйланиб) пишмоқ; 2 *разг.* кийилавериб эскирмоқ, тўзмоқ, ишдан чиқмоқ; **подкла́дка совсе́м** ~**лась** астар эскирди, астар ишдан чиқди.

ВЫНОСИ́ТЬСЯ, **-ошу́сь**, **-о́сишься** *несов.* 1 *см.* **вы́нестись**; 2 *страд. от* **выноси́ть.**

ВЫНОСКА *ж* 1 *по гл.* **вы́нести — выноси́ть** 1—3; 2 *то же, что* **сно́ска.**

ВЫНОСЛИВОСТЬ *ж* чидамлилик, бардошлилик, тоқатлилик; чидам, тўзим, сабр, бардош, тоқат.

ВЫНОСЛИВЫ́/Й, **-ая**, **-ое** чидамли, тўзимли, бардошли, тоқатли; ~**й челове́к** чидамли одам; ~**е сорта́ чере́шен** гилоснинг чидамли навлари.

ВЫНОСН/О́Й, **-а́я**, **-о́е** 1 чиқарилган; чиқариладиган; ташқи; чиқариш...; ~**о́е приме́чание** четга чиқариб (ёки пастга тушириб) берилган изоҳ; ~**ые ли́нии** чиқариш чизиқлари (чизмада); ~**а́я то́пка** ташқарига чиқарилган (ташқи) ўчоқ; 2 тиркалган (тиркаладиган); тирков; ~**ые ло́шади** тиркалган (тиркаладиган) отлар.

ВЫНОШЕНН/ЫЙ, **-ая**, **-ое** 1 *прич. от* **вы́носить**; 2 *в знач. прил.* обдан ўйлаб пиширилган, каллада (мияда) пишган; ~**ая мысль** обдан ўйлаб пиширилган фикр; 3 *в знач. прил. разг.* кийилавериб ишдан чиққан, эскирган, тўзган; ~**ые ба́шмаки́** кийилавериб ишдан чиққан бошмоқ.

ВЫНУДИТЬ, **-ужу**, **-удишь** *сов. (несов.* **вынужда́ть**) 1 *кого-что* мажбур қилмоқ; ~ **проти́вника отступи́ть** душманни чекинишга мажбур қилмоқ; 2 *что* мажбуран (зўрлаб) кўндирмоқ, рози қилмоқ, бўйнига қўймоқ; ~ **согла́сие прие́хать** келишга зўрлаб рози қилмоқ; ~ **призна́ние** *у кого-л.* зўрлаб эътироф эттирмоқ, мажбуран тан олдирмоқ.

ВЫНУЖДА́ТЬ *несов. см.* **вы́нудить.**

ВЫНУЖДЕНН/ЫЙ, **-ая**, **-ое** 1 *прич. от* **вы́нудить**; 2 *в знач. прил.* мажбурий, ноилож лик (иложсизлик) орқасидаги, ноилож; ~**ая поса́дка** мажбурий қўниш; ~**ое призна́ние** мажбурий (мажбуран) эътироф этиш, ноилож тан олиш.

ВЫНУТЬ *сов. (несов.* **вынима́ть**) *что* 1 (ичидан) олмоқ, чиқармоқ; чиқариб (тортиб) олмоқ; ~ **де́ньги из кошелька́** ҳамёндан пул(ни) олмоқ; ~ **зано́зу из па́льца** бармоқдан зирапчани чиқариб (тортиб) олмоқ; 2 *разг.* ўймоқ, ўйиқ олмоқ (бичишда); ✦ **вынь да поло́жь** *прост.* ҳозирнинг ўзида (ҳозироқ) бер!; йўқни йўндир, топ!; ~**ду́шу (се́рдце)** *уст.* жонини суғуриб олмоқ, қийнамоқ.

ВЫНУТЬСЯ, **-нется** *сов. (несов.* **вынима́ться**) чиқмоқ, суғурилмоқ.

ВЫНЫ́РИВАТЬ *несов. см.* **вы́нырнуть.**

ВЫНЫРНУТЬ *сов. (несов.* **выны́ривать**) 1 шўнғиб чиқмоқ; ~ **из воды́** сувдан шўнғиб чиқмоқ; 2 *перен. разг.* тўсатдан пайдо бўлмоқ; лоп этиб чиқиб қолмоқ; ~ **из темноты́** қоронғуликдан лоп этиб чиқмоқ; тўсатдан пайдо бўлиб қолмоқ.

ВЫНЮХАТЬ *сов. (несов.* **выню́хивать**) *прост.* 1 *кого-что* ҳидлаб (ҳидидан бориб) топмоқ; ~ **за́йца** қуённи ҳидидан бориб топмоқ; 2 *перен. что* билиб олмоқ, пайқаб қолмоқ, ҳидини билмоқ; ~, **что де́лается вокру́г** атрофда нима бўлаётганини билиб олмоқ (қолмоқ).

ВЫНЮХИВАТЬ *несов. см.* **вы́нюхать.**

ВЫНЯ́НЧИВАТЬ *несов. см.* **вы́нянчить.**

ВЫНЯ́НЧИТЬ *сов. (несов.* **выня́нчивать**) *кого-что разг.* боқиб (қараб) катта қилмоқ, энагалик қилиб ўстирмоқ; ~ **ребёнка** болани энагалик қилиб ўстирмоқ.

ВЫПАД *м* 1 *по гл.* **вы́пасть — выпада́ть** 1, 2; 2 *спорт.* ҳамла, ташлаш; **сде́лать** ~ ҳамла қилмоқ (қиличбозликда); ~ **с пра́вой ноги́** ўнг оёқни ташлаш; 3 қарши чиқиш, ҳужум, хуруж; ~ **агре́ссоров** агрессорларнинг хуружи; **необосно́ванный** ~ асоссиз ҳужум.

ВЫПАДАНИЕ *с по гл.* **вы́пада́ть** 1—3; ~ **оса́дков** ёғин ёғиши; ёғингарчилик; ~ **воло́с** сочнинг тўкилиши.

ВЫПАДА́ТЬ *несов. см.* **вы́пасть.**

ВЫПАДЕ́НИЕ *с по гл.* **вы́пасть — выпада́ть** 1—3; ~ **мололо́чных зубо́в** сут тишларининг тушиши.

ВЫПАИВАТЬ *несов. см.* **вы́поить.**

ВЫПАЛИВАТЬ *несов. см.* **вы́палить.**

ВЫПАЛИТЬ *сов. (несов.* **выпа́ливать**) *разг.* 1 ўқ узмоқ, отмоқ; ~ **из ружья́** милтиқдан ўқ узмоқ, милтиқ отмоқ; 2 *перен. что* бидир-бидир айтмоқ; тўрсиллатиб гапирмоқ, ўринсиз гапириб қўймоқ, ножўя гап қилмоқ; ~ **но́вости** янгиликларни бидир-бидир айтиб бермоқ.

ВЫПАЛЫВАТЬ *несов. см.* **вы́полоть.**

ВЫПА́РИВАНИЕ *с по гл.* **выпа́ривать** 1, 2; ~ **белья́** кирни буғлаш; ~ **во́дных раство́ров** сувли эритмани қайнатиб буғлантириш.

ВЫПА́РИВАТЬ *несов. см.* **вы́парить.**

ВЫПА́РИВАТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **вы́париться**; 2 *страд. от* **выпа́ривать.**

ВЫПАРИТЬ *сов. (несов.* **выпа́ривать**) *кого-что* 1 буғламоқ, буғлаб тозаламоқ; ~ **бо́чку** бочкани буғлаб тозаламоқ; 2 буғлантирмоқ, қайнатиб буғга айлантириб чиқармоқ, ажратиб олмоқ; ~ **раствор** эритмани буғлантириб сувини ажратмоқ; 3 *разг.* супургилаб (терлатиб) ювинтирмоқ (ҳаммомда).

ВЫПАРИ/ТЬСЯ *сов. (несов.* **выпа́риваться**) 1 буғланмоқ, буғланиб тозаланмоқ; **оде́жда** ~**лась** кийим буғланиб тозаланди; 2 буғланиб чиқмоқ, буғга айланиб кетмоқ; **вода́** ~**лась** сув буғланиб (буғга айланиб) чиқиб кетди; 3 *разг.* супургилаб (терлаб) ювинмоқ (ҳаммомда).

ВЫПАРКА *ж по гл.* **вы́парить — выпа́ривать** 1, 2; ~ **сиро́па** сиропни қайнатиш (қайнатиб қуюлтириш).

ВЫПАРНО́Й, **-а́я**, **-о́е** буғлайдиган, буғлантирадиган, буғга айлантирадиган; ~ **аппара́т** буғга айлантирадиган (ёки буғлайдиган) аппарат.

ВЫПА́РХИВАТЬ *несов. см.* **вы́порхнуть.**

ВЫПА́РЫВАТЬ *несов. см.* **вы́пороть** I.

ВЫПАС *м с.-х.* 1 *по гл.* **вы́пасти**; ~ **скота́** молларни ёйиш, ўтлатиш; 2 мол ёйиладиган майдон, ўтлоқ, яйлов; **луга́ под** ~ мол ёйиладиган ўтлоқ (яйлов).

www.ziyouz.com kutubxonasi

ВЫПАСТИ, **-асу**, **-асешь**; **вы́пас**, **-ла** *сов. кого обл.* ўтлатмоқ; ~ **скот** молларни ёймоқ (ўтлатмоқ).

ВЫПА/СТЬ, **-аду**, **-адешь** *сов.* (*несов.* **выпада́ть**) 1 тушмоқ, тушиб кетмоқ, ағдарилиб тушмоқ, йиқилмоқ; тўкилмоқ; **каранда́ш ~л из рук** қалам қўлдан тушиб кетди; **во́лосы ~ли** сочлар тўкилди (тўкилиб кетди); **зу́бы ~ли** тишлар тушиб кетди: **напряга́ть все си́лы, что́бы не ~сть** йиқилиб тушмаслик учун бор кучи билан ёпишмоқ (маҳкам ушлаб олмоқ); 2 чиқиб кетмоқ, тушиб қолмоқ; **~сть из игры́** ўйиндан чиқиб кетмоқ; 3 ёғмоқ; **~л снег** қор ёғди; 4 *перен. кому* тегмоқ, тушмоқ, чиқмоқ; насиб (муяссар) бўлмоқ; **мне ~ла честь** менга насиб бўлди; менга муяссар бўлди; **ему́ ~ло сча́стье** унинг бахти (омади) келди, унинг омади келиб қолди; **~л жре́бий** чекига тушди; 5 содир бўлмоқ, рўй бермоқ; **~л тру́дный день** қийин кун бўлди; 6 *спорт.* ҳамла қилмоқ (қиличбозликда), ташламоқ (оёқни); 7 *уст.* и *обл.* тушмоқ, бошланмоқ; **с гор ~ла рече́нка** сой тоғдан бошланди; ✦ **~сть на до́лю** *чью* или *кому* қисматига тўғри келмоқ, бошига тушмоқ, насиб бўлмоқ.

ВЫПАХАТЬ, **-ашу**, **-ашешь** *сов.* (*несов.* **выпа́хивать**) *что* 1 *с.-х.* нотўғри фойдаланиб (ёки экин экавериб) ерни ориқлатмоқ, ишдан чиқармоқ; 2 ердан бирор нарса топиб олмоқ (ер ҳайдаш пайтида); 3 *прост.* и *обл.* бирор муддатда ерни чопиб бўлмоқ, ҳайдаб қўймоқ, ҳайдаб чиқмоқ.

ВЫПАХА/ТЬСЯ, **-ашется** *сов.* (*несов.* **выпа́хиваться**) *с.-х.* нотўғри ишлатилиб (ёки экилавериб) ориқламоқ, кучи кетмоқ; **земля́ ~лась** ер ориқлади; ернинг кучи кетиб қолди.

ВЫПАХИВАТЬ *несов. см.* **вы́пахать.**

ВЫПА́ХИВАТЬСЯ, **-ается** *несов.* 1 *см.* **вы́пахаться**; 2 *страд. от* **выпа́хивать.**

ВЫПАЧКАТЬ *сов. кого-что разг.* ифлос қилмоқ, кир бостирмоқ; ~ **пла́тье** кўйлакни ифлос қилмоқ.

ВЫПАЧКАТЬСЯ *сов. разг.* ифлос бўлмоқ, кир босмоқ; ~ **в кра́ске** бўёқ бўлмоқ.

ВЫПЕВА́ТЬ *несов.* 1 *см.* **вы́петь**; 2 *что разг.* куйлагандек талаффуз қилмоқ (айтмоқ), қироат билан ўқимоқ; ~ **слова́** сўзларни куйлагандек айтмоқ, сўзларни қироат билан талаффуз қилмоқ.

ВЫПЕКА́ТЬ *несов. см.* **вы́печь.**

ВЫПЕКА́ТЬСЯ, **-а́ется** *несов.* 1 *см.* **вы́печься**; 2 *страд. от* **выпека́ть.**

ВЫПЕ́НДРИВАТЬСЯ *несов. прост.* қуруқланмоқ, мақтанмоқ; **хва́тит тебе́ ~!** кўп қуруқланма!

ВЫ́ПЕР/ЕТЬ, **-пру**, **-прешь**; **вы́пер**, **-ла** *сов.* (*несов.* **выпира́ть**) 1 *кого-что* итариб (туртиб, сиқиб) чиқармоқ; итармоқ; **льдом ~ло ба́ржу** муз баржани туртиб (сиқиб) чиқарди; **бревно́ ~ло из стены́** девордан хода туртиб чиқиб қолди; 2 *прост.* ҳайдамоқ, бўшатмоқ; ҳайдаб (бўшатиб) юбормоқ; думини тугмоқ; **Меня́ из шко́лы ~ли** (Н. Островский) Мени мактабдан ҳайдашди.

ВЫПЕРЕТЬСЯ, **-прется**; **вы́перся**, **-лась** *сов.* бўртиб чиқмоқ, туртиб чиқмоқ, қаппайиб турмоқ; дўппаймоқ, шишиб чиқмоқ.

ВЫПЕРХНУТЬ *сов. что прост.* йўталиб чиқариб ташламоқ.

ВЫПЕСТОВА/ТЬ *сов.* (*несов.* **пе́стовать**) *кого* 1 *уст.* тарбиялаб ўстирмоқ, ардоқлаб вояга етказмоқ; **~ть младе́нцев** болаларни тарбиялаб (ардоқлаб) вояга етказмоқ; 2 *перен. высок.* тарбиялаб етиштирмоқ; **Ле́нин ~л ка́дры большеви́стской па́ртии** Ленин большевиклар партияси кадрларини тарбиялаб етиштирди.

ВЫПЕТЬ, **-пою**, **-поешь** *сов.* (*несов.* **выпева́ть**) 1 завқ билан айтмоқ; сўзларини дона-дона қилиб куйламоқ; ~ **мело́дию** куйни завқ билан айтмоқ; 2 *прост.* очиқ (дангал) айтмоқ, баралла гапирмоқ.

ВЫПЕЧК/А *ж* 1 *по гл.* **вы́печь**; **~а хле́ба** нон ёпиш; 2 *спец.* пиширилган нон; **привезли́ сего́дняшнюю ~у** бугун пиширилган нонларни келтиришди (олиб келишди).

ВЫПЕЧЬ, **-еку**, **-ечешь**; **вы́пек**, **-ла** *сов.* (*несов.* **выпека́ть**) *что* 1 ёпмоқ, пиширмоқ; ~ **то́нну хле́ба** бир тонна нон ёпмоқ; 2 яхшилаб (сингитиб) пиширмоқ; **хлеб не вы́печен** нон яхши пишмабди (пишмаган); нон хомсўз бўлиб қолибди.

ВЫПЕЧЬСЯ, **-чется**; **вы́пекся**, **-лась** *сов.* (*несов.* **выпека́ться**) яхши пишмоқ, сингиб пишмоқ; **хлеб вы́пекся** нон яхши (сингиб) пишди (пишибди).

ВЫПИВА́ЛА *м прост.* арақхўр, майхўр, ичкиликбоз, пиёниста.

ВЫПИВА́ТЬ *несов.* 1 *см.* **вы́пить**; 2 *разг.* ичкиликка ўч бўлмоқ, ичкиликбозликка ружу қилмоқ, ичиб турмоқ.

ВЫПИ́ВКА *ж, р. мн.* **-вок** *разг.* 1 ичкиликбозлик; майхўрлик; 2 ичкилик, май, арақ.

ВЫПИВОХА *м груб. прост.* ичкиликбоз, арақхўр, пиёниста.

ВЫПИВШИ *прост.* 1 *деепр. от* **вы́пить**; 2 *в знач. сказ.* кайфи бор, маст, ичган; ичиб олган.

ВЫПИ́ЛИВАТЬ *несов. см.* **вы́пилить.**

ВЫПИЛИТЬ *сов.* (*несов.* **выпи́ливать**) *что* 1 арра билан ўймоқ, арралаб ўйиб олмоқ; ~ **отве́рстие в две́ри для замка́** қулф ўрнатиш учун эшикни парма билан тешмоқ; 2 арралаб тайёрламоқ, арра билан ясамоқ; ~ **ра́мку** арра билан рамка ясамоқ.

ВЫПИЛКА *ж разг.* 1 *по гл.* **вы́пилить**; 2 арраланган нарса.

ВЫПИРАТЬ *несов.* 1 *см.* **вы́переть**; 2 *разг.* дўппайиб турмоқ, қаппайиб (тиккайиб) чиқиб қолмоқ.

ВЫПИСАТЬ, **-ишу**, **-ишешь** *сов.* (*несов.* **выпи́сывать**) 1 *что* ёзиб олмоқ, кўчириб олмоқ; ~ **цита́ту** цитата (кўчириб) олмоқ; 2 *что* ёзиб бермоқ; ёздириб олмоқ; ~ **квита́нцию** квитанция ёзиб бермоқ; квитанция ёздириб олмоқ; 3 *что* ёздириб (обуна бўлиб) олмоқ, ёзилмоқ; ~ **газе́ту** обуна бўлиб газета олмоқ; газетага ёзилмоқ; 4 *что* диққат билан ёзмоқ, чизмоқ; ~ **все бу́квы** ҳамма ҳарфларни диққат билан ёзмоқ; 5 *кого-что* ёздириб олмоқ, чақиртириб олмоқ; ~ **к себе́ семью́** оиласини (олдига) чақиртириб олмоқ; 6 *кого-что* ўчирмоқ, чиқармоқ; ~ **из домо́вой кни́ги** уй дафтаридан ўчирмоқ; ~ **из больни́цы** касалхонадан чиқармоқ.

ВЫПИСАТЬСЯ, **-ишусь**, **-ишешься** *сов.* (*несов.* **выпи́сываться**) 1 ўчмоқ, чиқмоқ, чиқиб кетмоқ; ~ **из больни́цы** касалхонадан чиқмоқ; 2 *уст.* ёзувчиликдан чиқиб қолмоқ.

ВЫПИСКА *ж* 1 *по гл.* **вы́писать** 1—3, 5, 6; ~ **газе́т** газетага ёзилиш; ~ **из больни́цы** касалхонадан чиқариш; 2 кўчирма, кўчириб олинган парча, цитата; ~ **из протоко́ла** протоколдан (қарордан) кўчирма.

ВЫПИСЫВАТЬ *несов. см.* **вы́писать.**

ВЫПИ́СЫВАТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **вы́писаться**; 2 *страд. от* **выпи́сывать.**

ВЫПИТЬ, **-пью**, **-пьешь** *сов.* (*несов.* **выпива́ть**) 1 *что* и *чего* ичмоқ; ~ **стака́н лимона́да** бир стакан лимонад ичмоқ; 2 *за кого-что* и *без доп.* ичмоқ, отмоқ; ичиб (отиб) олмоқ; қадаҳ кўтармоқ; ~ **за молоды́х** ёшлар (келин-куёв) шарафига қадаҳ кўтармоқ.

ВЫПИХАТЬ *сов.* (*несов.* **вы́пихивать**) *прост.* туртиб чиқармоқ; турткилаб (туртиб-туртиб, итариб-итариб) чиқариб юбормоқ.

ВЫПИХИВАТЬ *несов. см.* **вы́пихнуть** и **вы́пихать.**

ВЫПИХНУТЬ *сов.* (*несов.* **вы́пихивать**) *кого-что разг.* туртиб (итариб) чиқармоқ; туртиб (итариб) чиқариб юбормоқ; ~ **из ко́мнаты** туртиб хонадан чиқариб юбормоқ.

ВЫПЛАВИТЬ, **-влю**, **-вишь** *сов.* (*несов.* **выплавля́ть**) *что* эритиб олмоқ; ~ **две то́нны чугуна́** икки тонна чўян эритиб олмоқ.

ВЫПЛАВИТЬСЯ, **-ится** *сов.* (*несов.* **выплавля́ться**) эримоқ, эритиб олинмоқ.

ВЫ́ПЛАВКА *ж* 1 *по гл.* **вы́плавить**; ~ **ста́ли** пўлат эритиш; 2 эритилган металл (миқдори); **су́точная** ~ бир сутка да эритилган металл (миқдори).

ВЫПЛАВЛЯТЬ *несов. см.* **вы́плавить.**

ВЫПЛАВЛЯ́ТЬСЯ, **-я́ется** *несов.* 1 *см.* **вы́плавиться**; 2 *страд. от* **выплавля́ть.**

ВЫПЛАКА́ТЬ, **-ачу**, **-ачешь** *сов.* (*несов.* **выпла́кивать**) *что* 1 йиғлаб олмоқ, йиғлаб аламдан чиқмоқ, йиғлаб юракдаги аламни тарқатмоқ (юракни ёзмоқ); ~ **своё го́ре** йиғлаб дард-аламини тарқатмоқ; 2 *разг.* йиғлаб (йиғи-сиғи, кўз ёши қилиб, ёлвориб) сўрамоқ; йиғи-сиғи (кўз ёши) билан ундирмоқ, кўндирмоқ; ~ **себе́ проще́ние** кўз ёши қилиб

www.ziyouz.com kutubxonasi

гуноҳидан ўттирмоқ; ✦ ~ **все глаза́** йиғлайвериб кўзида ёши қуримоқ.

ВЫПЛАКАТЬСЯ, -ачусь, -ачешься *сов.* йиғлаб-йиғлаб овунмоқ, юпанмоқ, йиғлаб ичини бўшатиб (юрагини ёзиб) олмоқ.

ВЫПЛАТА *ж* 1 *по гл.* **вы́платить; ~ вы́игрышей** ютуқларни тўлаш; ~ **до́лга** қарзни тўлаш; 2 *прост.* муҳлати билан бўлиб-бўлиб тўлаш.

ВЫПЛАТИТЬ, -ачу, -атишь *сов. (несов.* **выпла́чивать**) *что* 1 тўламоқ, бермоқ; ~ **за́работную пла́ту** ойлик бермоқ; 2 муҳлати билан бўлиб-бўлиб тўламоқ, тўлаб қутулмоқ; ~ **ссу́ду** қарзини (бўлиб-бўлиб) тўлаб қутулмоқ.

ВЫПЛАЧИВАТЬ *несов. см.* **вы́платить.**

ВЫПЛЕВАТЬ *сов. (несов.* **выплёвывать**) *что* тупурмоқ, тупуриб ташламоқ.

ВЫПЛЁВЫВАТЬ *несов. см.* **вы́плюнуть** и **вы́плевать.**

ВЫПЛЕСКАТЬ, -ещу, -ещешь *сов. (несов.* **выплёскивать**) *что* чайқатиб тўкмоқ, шакароб қилиб сепмоқ, сочмоқ; чайқатиб (сепиб, сочиб) тамом қилмоқ, сепиб-сепиб ташламоқ; ~ **всю во́ду из ведра́** челакдаги ҳамма сувни чайқатиб тамом қилмоқ (ёки сепиб-сепиб ташламоқ).

ВЫПЛЕСКА/ТЬСЯ, -ещется *сов. (несов.* **выплёскиваться**) чайқалиб тўкилмоқ (сочилмоқ); чайқалиб тамом бўлмоқ; **вода́ ~лась из ведра́** челакдаги сув чайқалиб тўкилди.

ВЫПЛЁСКИВАТЬ *несов. см.* **вы́плескать** и **вы́плеснуть.**

ВЫПЛЁСКИВАТЬСЯ, -ается *несов.* 1 *см.* **вы́плеснуться;** 2 *страд. от* **выплёскивать.**

ВЫПЛЕСНУ/ТЬ *сов.* и *однокр. (несов.* **выплёскивать**) 1 *что* тўкиб ташламоқ, сепиб юбормоқ; ~**ть оста́тки ча́я** чой қолдигини тўкиб ташламоқ; 2 *кого-что* чайқалтириб (чиқариб, отиб) юбормоқ; **волна́ ~ла на бе́рег плот** тўлқин солни қирғоққа отиб юборди; ✦ ~**ть вме́сте с водо́й ребёнка** *(л. м.* чақалоқни ваннадан сув билан ташлаб юбормоқ) кераксиз нарса билан бирга керакли нарсани ҳам ташлаб юбормоқ.

ВЫПЛЕСНУ́ТЬСЯ, -нется *сов.* и *однокр. (несов.* **выплёскиваться**) чайқалиб тўкилмоқ.

ВЫПЛЕСТИ, -ету, -етешь *сов. (несов.* **выплета́ть**) *что* 1 ечмоқ, ечиб (бўшатиб) олмоқ (ўрилган нарсани); ~ **ле́нту из косы́** лентани кокилдан ечиб олмоқ; 2 тўқиб ясамоқ; ~ **корзи́ну** сават тўқимоқ.

ВЫПЛЕ/СТИСЬ, -летется *сов. (несов.* **выплета́ться**) ечилмоқ, ечилиб кетмоқ (чиқмоқ); **ле́нта ~лась из косы́** лента кокилдан ечилиб кетди (ечилиб, бўшаб чиқиб кетди).

ВЫПЛЕТАТЬ *несов. см.* **вы́плести.**

ВЫПЛЕТА́ТЬСЯ, -а́ется *несов.* 1 *см.* **вы́плестись;** 2 *страд. от* **выплета́ть.**

ВЫПЛЫВАТЬ *несов. см.* **вы́плыть.**

ВЫПЛЫ/ТЬ, -ыву, -ывешь *сов. (несов.* **выплыва́ть**) 1 қалқиб чиқмоқ, сув бетига чиқмоқ, кўтарилмоқ; ~**ть из морско́й глубины́** денгиз қаъридан қалқиб чиқмоқ; 2 сузиб чиқмоқ; сузиб чиқиб (етиб) олмоқ; ~**ть на бе́рег** сузиб қирғоққа етиб (чиқиб) олмоқ; ~**ть в откры́тое мо́ре** сузиб очиқ денгизга чиқмоқ (кемада, қайиқда); 3 *перен.* пайдо бўлмоқ, чиқиб қолмоқ, туғилмоқ; ~**л ряд вопро́сов** бир қанча масалалар чиқиб қолди; 4 кўринмоқ, чиқмоқ, чиқиб қолмоқ; **из-за о́строва ~ла ло́дка** орол ортидан кема кўринди (чиқиб қолди); **луна́ ~ла из-за туч** булутлар орасидан ой кўринди (сузиб чиқди); 5 *перен.* нозик қадам ташлаб (сиплиққина юриб, хиром айлаб) чиқиб келмоқ, пайдо бўлмоқ; **танцо́вщица ~ла на середи́ну кру́га** раққоса хиром айлаб давра ўртасига чиқиб келди.

ВЫПЛЮНУТЬ *сов. (несов.* **выплёвывать**) *что* тупурмоқ, тупуриб ташламоқ.

ВЫПЛЯСЫВАТЬ *несов. разг. что* и *без доп.* муқомларни ўрнига қўйиб (келтириб) ижро этмоқ, ҳар хил муқомлар билан ўйнамоқ, ўйинга тушмоқ; ~ **копа́к** муқомларни ўрнига қўйиб гопакка тушмоқ.

ВЫПОИТЬ *сов. (несов.* **выпа́ивать**) *разг. кого* суюқ овқат бериб боқмоқ, катта қилмоқ (ҳайвонни); ~ **телёнка молоко́м** бузоқни сут билан боқиб катта қилмоқ.

ВЫПОЙКА *ж разг.* и *с.-х. по гл.* **вы́поить;** ~ **теля́т** бузоқларни сут билан боқиб катта қилиш.

ВЫПОЛАСКИВАТЬ *несов. см.* **вы́полоскать.**

ВЫПОЛЗАТЬ *несов. см.* **вы́ползти.**

ВЫПОЛЗОК *м, р.* **-зка** пўст (илон, қурт ва ш. к. нинг ташланган пўсти); **змейный ~** илоннинг ташланган пўсти.

ВЫПОЛЗ/ТИ, -зу, -зешь; вы́полз, -ла *сов. (несов.* **выполза́ть**) 1 ўрмалаб чиқмоқ, судралиб чиқмоқ; **змея́ ~ла из куще́в** буталар орасидан илон ўрмалаб чиқди; 2 эмаклаб чиқмоқ; судралиб чиқмоқ; **ма́льчик ~ из-за укры́тия** бола яширинган жойидан ўрмалаб чиқди; 3 *перен. разг.* биттабитта юриб чиқмоқ, зўрға чиқмоқ, судралиб (уриниб-суриниб) чиқиб олмоқ.

ВЫПОЛНЕ́НИЕ *с по гл.* **вы́полнить — выполня́ть; ~ пла́на** планни бажариш; планнинг бажарилиши; ~ **рабо́ты** ишни бажариш; ишнинг бажарилиши.

ВЫПОЛНИМ/ЫЙ, -ая, -ое бажарилиши (амалга оширилиши) мумкин бўлган, амалга ошадиган, бажарса бўладиган; ~**ое зада́ние** бажарилиши мумкин бўлган иш.

ВЫПОЛН/ИТЬ *сов. (несов.* **выполня́ть**) *что* 1 бажармоқ, амалга оширмоқ, ижро этмоқ; адо қилмоқ, тўлдирмоқ; ~**ить рабо́ту** ишни бажармоқ; ~**ить план** планни бажармоқ (тўлдирмоқ); 2 бажармоқ; қилмоқ, ясамоқ, яратмоқ; **чертёж ~ен отли́чно** чизма аъло бажарилган; ~**енная из фарфо́ра статуэ́тка** фарфордан қилинган статуэтка, чинни ҳайкалча.

ВЫПОЛНЯТЬ *несов. см.* **вы́полнить.**

ВЫПОЛНЯ/ТЬСЯ, -е́тся *несов.* 1 бажарилмоқ, ижро (адо) этилмоқ; амалга ошмоқ, тўлмоқ; **пятиле́тний план ~ется досро́чно** беш йиллик план муддатидан олдин бажариляпти (бажарилади); 2 *страд. от* **выполня́ть.**

ВЫПОЛОСКАТЬ, -ошу, -ошешь *сов. (несов.* **выпола́скивать**) *что* чаймоқ, чайқамоқ; чайиб олмоқ; чайқаб ташламоқ; ~ **бельё** кирни чаймоқ (чайиб олмоқ); ~ **рот** оғизни чайқамоқ.

ВЫПОЛОТЬ, -лю, -лешь *сов. (несов.* **выпа́лывать**) *что* 1 ўтамоқ, ўтоқ қилиб (юлиб) чиқмоқ; ~ **траву́** ўтни олиб ташламоқ; 2 бегона ўтлардан **тозаламоқ; ~ огоро́д** полизни бегона ўтлардан тозаламоқ.

ВЫПОР *м тех.* ҳовурак (қолипга металл қуйилганда ундан ҳавонинг чиқиб кетиши учун қўйилган тешик).

ВЫПОРОТ/ОК *м, р.* **-тка** ҳайвоннинг қорнидан ёриб олинган боласи ва унинг териси; барра; **оле́ньи ~ки буру́** барраси.

ВЫПОРОТЬ I, -рю, -решь *сов. (несов.* **выпа́рывать**) *что* сўкмоқ, сўкиб ташламоқ, сўкиб (сўтиб) олмоқ; ~ **воротни́к** ёқани сўкиб олмоқ; ~ **подкла́дку** астарини сўкиб ташламоқ.

ВЫПОРОТЬ II, -рю, -решь *сов. кого прост.* калтакламоқ, саваламоқ, хивичдан ўтказиб жазоламоқ.

ВЫПОРХНУ/ТЬ *сов. (несов.* **выпа́рхивать**) 1 пириллаб (пир этиб) учиб кетмоқ; учиб чиқмоқ; ~**ть из кле́тки** қафасдан пириллаб учиб кетмоқ; 2 *перен. разг.* югуриб (пилдираб) чиқмоқ; **Отку́да-то ~л це́лый рой шко́льниц** (Горбатов) Қаердандир бир тўда мактаб қизлари югуришиб чиқиб қолди.

ВЫПОТ *м мед.* назла; **гно́йный ~** йиринг, фасод.

ВЫПОТЕВАТЬ *несов. см.* **вы́потеть.**

ВЫПОТЕТЬ *сов. (несов.* **выпотева́ть**) *прост.* кўп (обдан) терламоқ, ғарқ-ғарқ терламоқ, терлаб сув бўлмоқ, терга ботмоқ.

ВЫПОТРОШИТЬ *сов. кого-что* ичак-човоғини тозаламоқ; ~ **дичь** ёввойи қушнинг ичак-човоғини тозаламоқ.

ВЫПРАВИТЬ I, -влю, -вишь *сов. (несов.* **выправля́ть** I) *что* 1 тўғриламоқ, текисламоқ; ~ **согну́вшийся гвоздь** қайрилган (эгилган) михни тўғриламоқ; 2 тузатмоқ, тўғриламоқ, яхшиламоқ, тўғри йўлга солмоқ; ~ **положе́ние** аҳволни тузатмоқ (яхшиламоқ); ~ **челове́ка** одамни тузатмоқ (тўғри йўлга солмоқ); 3 хатосини тузатмоқ; тузатиш киритмоқ; ~ **ру́копись** қўл ёзмани тузатмоқ; 4 тўғриламоқ, ростламоқ, тузатмоқ, тўғрилаб қўймоқ; ~ **рукава́** енгни тўғриламоқ, енгни тўғрилаб (тузатиб) қўймоқ; ~ **из хому́та гри́ву ло́шади** отнинг ёлини хомутдан ўтказиб тўғрилаб қўймоқ.

ВЫПРАВИТЬ II, -влю, -вишь *сов. (несов.* **выправля́ть** II) *что прост.* олмоқ, тўғриламоқ (ҳужжат, справка ва ҳ. к. ни); ~ **па́спорт** паспорт олмоқ.

ВЫПРАВИ/ТЬСЯ, -влюсь, -вишься *сов. (несов.* **выправля́ться** I) 1 ростланмоқ, тўғриланмоқ, тўғри бўлмоқ; **де́ре-**

www.ziyouz.com kutubxonasi

во ~лось дарахт тўғриланди; 2 *разг.* тузалмоқ, яхшиланмоқ; **положе́ние ~лось** аҳвол яхшиланди; **ма́льчик ~лся** бола тузалди.

ВЫПРАВКА I *ж* 1 *разг. по гл.* **вы́править** I; ~ **ру́кописи** қўл ёзмани тўғрилаш; 2 қадди-қомат, қадди ростлик; **вое́нная ~** ҳарбийча қадди ростлик.

ВЫПРАВКА II *ж прост. по гл.* **вы́править** II; ~ **свиде́тельства о рожде́нии** туғилганлик ҳақида гувоҳнома олиш (тўғрилаш).

ВЫПРАВЛЕ́НИЕ *с по гл.* **вы́править** I; ~ **те́кста** текстни тўғрилаш.

ВЫПРАВЛЯ́ТЬ I *несов. см.* **вы́править** I.

ВЫПРАВЛЯ́ТЬ II *несов. см.* **вы́править** II.

ВЫПРАВЛЯ́ТЬСЯ I *несов.* 1 *см.* **вы́браться**; 2 *страд. от* **выправля́ть** I.

ВЫПРАВЛЯ́ТЬСЯ II *несов. страд. от* **выправля́ть** II.

ВЫПРА́СТЫВАТЬ *несов. см.* **вы́простать.**

ВЫПРА́СТЫВАТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **вы́простаться**; 2 *страд. от* **выпра́стывать.**

ВЫПРА́ШИВАТЬ *несов. см.* **вы́просить.**

ВЫПРА́ШИВАТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **вы́проситься**; 2 *страд. от* **выпра́шивать.**

ВЫПРЕВА́ТЬ, -а́ет *несов. см.* **вы́преть.**

ВЫПРЕ́ТЬ, -прет *сов. (несов.* **выпрева́ть**) 1 моғорлаб нобуд бўлмоқ, чириб қолмоқ (ўсимлик ҳақида); 2 *прост.* дам еб тайёр бўлмоқ; 3 *прост.* суви қочмоқ, озаймоқ (буғланиб, қайнаб).

ВЫПРОВА́ЖИВАТЬ *несов. см.* **вы́проводить.**

ВЫПРОВОДИ́ТЬ, -ожу, -одишь *сов. (несов.* **выпрова́живать**) *кого разг.* ҳайдаб юбормоқ, қувиб чиқармоқ, жўнатмоқ; ~ **непро́шенных госте́й** чақирилмаган меҳмонларни ҳайдаб чиқармоқ.

ВЫПРОСИ́ТЬ, -ошу, -осишь *сов. (несов.* **выпра́шивать**) *кого-что* сўраб олмоқ, тилаб олмоқ; ~ **кни́гу** китобни сўраб олмоқ.

ВЫПРОСИ́ТЬСЯ, -ошусь, -осишься *сов. (несов.* **выпра́шиваться**) *разг.* рухсат олмоқ, ижозат олмоқ; ~ **в о́тпуск** отпускага рухсат олмоқ; ~ **в кино́** кинога (боришга) рухсат олмоқ.

ВЫПРОСТА́ТЬ *сов. (несов.* **выпра́стывать**) *что прост.* 1 бўшатмоқ, холи қилмоқ; ~ **корзи́ну** саватни бўшатмоқ; 2 бўшатмоқ, чиқармоқ; ~ **ру́ки из-под одея́ла** қўлни кўрпадан чиқармоқ.

ВЫПРОСТА́ТЬСЯ *сов. (несов.* **выпра́стываться**) *прост.* бўшамоқ, тагидан чиқмоқ (чиқиб қолмоқ); ~**из одея́ла** кўрпадан чиқиб қолмоқ.

ВЫПРЫГИВА́ТЬ *несов. см.* **вы́прыгнуть.**

ВЫПРЫГНУ́ТЬ *сов. (несов.* **выпры́гивать**) ирғиб тушмоқ, сакраб чиқмоқ; ~ **в окно́** деразадан сакраб чиқмоқ; ~ **из маши́ны** машинадан сакраб тушмоқ.

ВЫПРЯГА́ТЬ *несов. см.* **вы́прячь.**

ВЫПРЯГА́ТЬСЯ, -а́ется *несов.* 1 *см.* **вы́прячься**; 2 *страд. от* **выпряга́ть.**

ВЫПРЯДА́ТЬ *несов. см.* **вы́прясть.**

ВЫПРЯМИ́ТЕЛЬ *м эл.* тўғрилагич (ўзгарувчан токни ўзгармас токка айлантирадиган асбоб); **ртути́ный ~** симоб-ли тўғрилагич.

ВЫПРЯМИ́ТЕЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое *эл.* тўғрилагичга оид; тўғрилагич...; ~**ое устро́йство** тўғрилагич қурилма.

ВЫПРЯМИ́ТЬ, -млю, -мишь *сов. (несов.* **выпрямля́ть**) *кого-что* тўғриламоқ, ростламоқ; ~ **спи́ну** қаддини ростламоқ; ~ **гвоздь** михни тўғриламоқ; ✦ ~ **ток** *эл.* ўзгарувчан токни ўзгармас токка айлантирмоқ.

ВЫПРЯМИ/ТЬСЯ, -млюсь, -мишься *сов. (несов.* **выпрямля́ться**) тўғриланмоқ, тўғри бўлмоқ, ростланмоқ; қаддини ростламоқ; **ось ~лась** ўқ тўғриланди (тўғри бўлди); **~ться во весь рост** қаддини ростламоқ, қаддини тикламоқ.

ВЫПРЯМЛЕ́НИЕ *с по гл.* **выпрямля́ть** и **выпрямля́ться**; ~ **про́волоки** симни тўғрилаш.

ВЫПРЯМЛЯ́ТЬ *несов. см.* **вы́прямить.**

ВЫПРЯМЛЯ́ТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **вы́прямиться**; 2 *страд. от* **выпрямля́ть.**

ВЫПРЯСТЬ, -яду, -ядешь *сов. (несов.* **выпряда́ть**) *что* йигирмоқ, йигириб қўймоқ, йигириб тайёрламоқ.

ВЫПРЯЧЬ, -ягу, -яжешь; вы́пряг, -ла *сов. (несов.* **выпряга́ть**) *кого* чиқармоқ (аравадан, қўшдан, чанадан ва ҳ. к.); ~ **ло́шадь** отни (аравадан ва ҳ. к.) чиқармоқ.

ВЫПРЯЧЬСЯ, -яжется, -ягутся; вы́прягся, -лась *сов. (несов.* **выпряга́ться**) чиқмоқ (аравадан, қўшдан, чанадан ва ҳ. к.).

ВЫПУГИВА́ТЬ *несов. см.* **вы́пугнуть.**

ВЫПУГНУ́ТЬ *сов. (несов.* **выпу́гивать**) *кого-что* ҳуркитиб чиқармоқ, қўрқитиб қочирмоқ, қувмоқ, ҳайдамоқ; ~ **утя́т из камыше́й** ўрдак болаларини қамишзордан қўрқитиб чиқармоқ.

ВЫПУКЛИ́НА *ж прост.* и *спец.* дўнг, қавариқ.

ВЫПУКЛО-ВО́ГНУТ/ЫЙ, -ая, -ое бир томони қавариқ, бир томони ботиқ; ~**ое стекло́** бир томони қавариқ, бир томони ботиқ шиша.

ВЫПУКЛОСТЬ *ж* 1 қавариқлик, дўнглик, дўмбоқлик; ~ **пове́рхности** сиртнинг қавариқлиги; 2 қавариқ жой; қавариқ, дўнг, дўмбоқ; 3 *перен.* яққоллик, аниқлик, равшанлик, ифодалилик; ~ **худо́жественного о́браза** бадиий образнинг яққоллиги, бўрттирилганлиги.

ВЫПУКЛ/ЫЙ, -ая, -ое 1 қавариқ, дўнг; ~**ые сте́кла** қавариқ шишалар; 2 туртиб чиққан, бўртиб чиққан, бўртма, дўнг; ~**ые бу́квы** бўртиб чиққан (бўртма) ҳарфлар; ~**ый лоб** дўнг пешана; 3 *перен.* яққол, аниқ, равшан, ифодали; ~**ое изображе́ние** яққол тасвир.

ВЫПУСК *м* 1 *по гл.* **вы́пустить**; ~ **проду́кции** маҳсулот ишлаб чиқариш; ~ **за́йма** заём чиқариш; 2 *уст.* туширилган қолдирилган (ташлаб кетилган) жой, парча; **В худо́жественном перево́де не позволя́ется ни ~ов, ни приба́вок, ни измене́ний** (Белинский) Бадиий таржимада туширилган қолдиришга ҳам, қўшимчаларга ҳам, ўзгартишларга ҳам йўл қўйиб бўлмайди; 3 жуз; алоҳида нашр; **кни́га издаётся отде́льными ~ами** китоб алоҳида нашрларда (жузларга бўлиб-бўлиб) чиқарилади; 4 битирувчилар группаси; **прошлого́дний ~** ўтган йилги битирувчилар; ўтган йили битирганлар; 5 *обл.* яйлов, ўтлоқ.

ВЫПУСКА́ТЬ *несов. см.* **вы́пустить.**

ВЫПУСКА́ЮЩИЙ, -ая, -ее 1 *прич. от* **выпуска́ть**; 2 *в знач. сущ.* ~*м полигр.* чиқарувчи (газета ёки журналнинг босилишини назорат қилиб чиқарувчи шахс).

ВЫПУСКНИ́К *м, р.* **-а́** битирувчи (ўқув юртини), **бесе́да с ~а́ми шко́лы** мактабни битирувчилар билан суҳбат.

ВЫПУСКНИ́ЦА *ж см.* **выпускни́к.**

ВЫПУСКН/О́Й, -а́я, -о́е 1 чиқариладиган, чиқадиган; чиқариш...; чиқиш...; ~**о́е отве́рстие для воды́** сув чиқариб юбориладиган (сув чиқиб кетадиган) тешик; ~**о́й кла́пан** чиқариш клапани; 2 битирадиган, тамомлайдиган, битирувчи; битириш (чиқариш) билан боғлиқ бўлган; битириш...; ~**о́й класс** битирувчи синф; ~**ые экза́мены** битириш имтиҳонлари; ~**о́й ве́чер** ўқишни битиришга бағишланган кеча.

ВЫПУСТИ́ТЬ, -ущу, -устишь *сов.* (*несов.* **выпуска́ть**) 1 *кого-что* чиқармоқ, қўйиб юбормоқ, чиқишга рухсат бермоқ; ~ **погуля́ть** сайрга чиқармоқ; **не ~ и́з дому** уйдан чиқармаслик; 2 *что* чиқармоқ, чиқариб юбормоқ; ~ **пар** буғни чиқариб юбормоқ; 3 *кого* чиқармоқ, озод қилмоқ, бўшатмоқ; ~ **на свобо́ду** озодликка чиқармоқ; қўйиб (бўшатиб, чиқариб) юбормоқ; 4 *кого, кем* чиқармоқ, тайёрламоқ, етиштирмоқ; тайёрлаб (етиштириб, қилиб) чиқармоқ; **шко́ла вы́пустила сто ученико́в** мактаб юзта ўқувчи чиқарди; мактабни юз ўқувчи битириб чиқди; ~ **инжене́ром** инженер қилиб чиқармоқ; 5 *что* ишлаб чиқармоқ; ~ **проду́кцию сверх пла́на** пландан ташқари маҳсулот ишлаб чиқармоқ; 6 *что* босиб чиқармоқ, нашр этмоқ, чоп қилмоқ; ~ **кни́гу** китоб чиқармоқ; китобни нашр қилмоқ; ~ **заём** заём чиқармоқ; ~ **ма́рки** маркалар чиқармоқ; 7 *что* туширириб қолдирмоқ, ташлаб кетмоқ; ~ **строку́** бир сатр(ни) туширириб қолдирмоқ; 8 *что* ёзмоқ, чиқармоқ; ~ **ко́гти** чангалини ёзмоқ; ~ **воротничо́к** ёқасини чиқармоқ (кўтармоқ); ✦ ~ **в свет** босиб чиқармоқ, нашр этмоқ; ~ **из па́мяти** эсидан чиқармоқ; ~ **снаря́д** (или **заря́д, пу́лю** и т. п.) снаряд (ёки заряд, ўқ) отмоқ; ўқ узмоқ; ~ **из рук** қўлдан чиқариб (қўйиб ёки ташлаб) юбормоқ.

ВЫПУТА́ТЬ *сов. (несов.* **выпу́тывать**) 1 *что* чигалини (чалкашини) ёзмоқ; чалкашиб (ўралашиб) қолган жойидан

www.ziyouz.com kutubxonasi

чиқариб олмоқ; 2 *перен. кого* қутқармоқ, чиқармоқ, халос қилмоқ; ~ **из беды́** мушкулликдан чиқармоқ.

ВЫПУТА́ТЬСЯ *сов. (несов.* **выпу́тываться**) 1 ечилмоқ, чигали ёзилмоқ, чалкашиб (ўралашиб) қолган жойидан чиқиб олмоқ; ~ **из сете́й** тўрдан (тузоқдан) чиқмоқ; 2 *перен.* қутулмоқ, халос бўлмоқ; ~**из долго́в** қарзларидан қутулмоқ.

ВЫПУ́ТЫВАТЬ *несов. см.* **вы́путать.**

ВЫПУ́ТЫВАТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **вы́путаться**; 2 *страд. от* **выпу́тывать.**

ВЫПУ́ЧИВАТЬ *несов. см.* **вы́пучить.**

ВЫПУ́ЧИВАТЬСЯ, **-ается** *несов.* 1 *см.* **вы́пучиться**; 2 *страд. от* **выпу́чивать.**

ВЫПУ́ЧИТЬ *сов. (несов.* **выпу́чивать**) *что разг.* дўппайтирмоқ, қаппайтирмоқ, бўрттирмоқ, шиширмоқ; гуп қилмоқ; ~ **живо́т** қорнини дўппайтирмоқ, қорнини шиширмоқ; қорнини гуп қилмоқ; ✦ ~ **глаза́** *прост.* кўзини чақчайтирмоқ, бақрайиб қарамоқ; анқайиб қолмоқ.

ВЫПУЧИ/ТЬСЯ, **-ится** *сов. (несов.* **выпу́чиваться**) *разг.* дўппаймоқ, қаппаймоқ, бўртмоқ, шишмоқ, гуп бўлмоқ; туртиб чиқиб қолмоқ; **бок избы́ ~лся** уйнинг ёни туртиб чиқиб қолди; ~**вшиеся му́скулы** бўртиб чиққан мускуллар.

ВЫПУ́ШКА *ж, р. мн.* **-шек** 1 кийим четига тутилган мўйна; 2 жияк, ҳошия.

ВЫПЫТА́ТЬ *сов. (несов.* **выпы́тывать**) *что у кого разг.* ўсмоқчилаб сўрамоқ, сўраб (тергаб) билиб олмоқ; ~ **секре́т** сирни ўсмоқчилаб (сўраб, тергаб) билиб олмоқ.

ВЫПЫ́ТЫВАТЬ *несов. см.* **вы́пытать.**

ВЫПЫХИВАТЬ, **-ает** *несов. см.* **вы́пыхнуть.**

ВЫПЫХНУТЬ, **-нет** *сов. (несов.* **выпы́хивать**) лоп (гур) этиб кўтарилмоқ, бирдан бошланмоқ, бирдан пайдо бўлмоқ (ўт, тутун ва ҳ. к. ҳақида).

ВЫПЬ *ж* мушгир, кўлбуқа (қуш).

ВЫПЯ́ЛИВАТЬ *несов. см.* **вы́пялить.**

ВЫ́ПЯЛИТЬ *сов. (несов.* **выпя́ливать**) *что прост.* дўппайтирмоқ, кермоқ; ✦ ~ **глаза́** *прост.* кўзини бақрайтирмоқ.

ВЫПЯТИ́ТЬ, **-ячу**, **-ятишь** *сов. (несов.* **выпя́чивать**) *что разг.* 1 олдинга чиқармоқ, дўппайтирмоқ, чўччайтирмоқ, кермоқ; ~ **грудь** кўкрагини дўппайтирмоқ, кўкрак кермоқ; ~ **гу́бы** лабларини чўччайтирмоқ; 2 *перен.* олдинги ўрингa қўймоқ; бўрттириб кўрсатмоқ, рўкач қилмоқ; ~ **недоста́тки** камчиликларни бўрттириб кўрсатмоқ.

ВЫПЯТИ/ТЬСЯ, **-ячусь**, **-ятишься** *сов. (несов.* **выпя́чиваться**) *разг.* 1 олдинга туртиб чиқмоқ; бўртиб чиқмоқ, дўппаймоқ; **сте́ны сара́я отсыре́ли и места́ми ~лись** сарой деворлари нам тортиб, у ер-бу ери бўртиб чиқди; 2 *перен.* бўртиб кўринмоқ.

ВЫПЯ́ЧИВАТЬ *несов. см.* **вы́пятить.**

ВЫПЯ́ЧИВАТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **вы́пятиться**; 2 *страд. от* **выпя́чивать.**

ВЫРАБА́ТЫВАТЬ *несов. см.* **вы́работать.**

ВЫРАБА́ТЫВАТЬСЯ, **-ается** *несов.* 1 *см.* **вы́работаться**; 2 *страд. от* **выраба́тывать.**

ВЫРАБО́ТАТЬ *сов. (несов.* **выраба́тывать**) *что* 1 ясамоқ, тайёрламоқ, ишлаб чиқармоқ; ~ **полуфабрика́ты** ярим тайёр маҳсулот ишлаб чиқармоқ; 2 тузмоқ, ишлаб чиқмоқ; ~ **резолю́цию** резолюция тузмоқ, резолюцияни ишлаб чиқмоқ; ~ **програ́мму** программа тузмоқ, программани ишлаб чиқмоқ; 3 тарбияламоқ, тарбиялаб эришмоқ; машқ билан касб этмоқ, ҳосил қилмоқ; шакллантирмоқ; ~ **хоро́ший стиль** яхши услубга эришмоқ; яхши услубга эга бўлмоқ; 4 ишлаб топмоқ, ишламоқ, бажармоқ; ~ **сто рубле́й в ме́сяц** ойига юз сўм ишламоқ; ~ **две но́рмы** за сме́ну бир сменада икки норма бажармоқ; 5 ишлаб (қазиб олиб) тамом қилмоқ (фойдали қазилмаларни).

ВЫРАБО́ТА/ТЬСЯ, **-ается** *сов. (несов.* выраба́тываться) 1 шаклланмоқ, ҳосил бўлмоқ; ~**лась привы́чка** одат бўлиб қолди, кўникма ҳосил бўлди; 2 тамом бўлмоқ, ишланиб тамом бўлмоқ (фойдали қазилмалар ҳақида); **ша́хта ~лась** шахта ишланиб тамом бўлди.

ВЫРАБО́ТК/А *ж, р. мн.* **-ток** 1 *по гл.* **вы́работать**; ~**а проду́кции** маҳсулот ишлаб чиқариш; ~**а электроэне́ргии** электр энергия ишлаб чиқариш; **но́рмы** ~**и** ишлаб чиқариш нормалари; ~**а законопро́екта** қонун лойиҳасини тузиш (ишлаб чиқиш); ~**а на́выков к труду́** меҳнат қилишга ўргатиш, меҳнатга кўникма ҳосил қилиш; 2 иш, маҳсул, ҳосил, ишланган маҳсулот; **получа́ть с ~и** ишлаб чиқарилган маҳсулотга қараб ҳақ олиш; 3 *разг.* иш сифати, ишлов; **прекра́сная ~а** ишлови жуда яхши; ишлови зўр; **ткань хоро́шей ~и** яхши ишланган газлама; 4 *мн.* ~**и** *горн.* ковланаётган кон, қазилаётган жой.

ВЫРА́ВНИВАТЬ *несов. см.* **вы́ровнять.**

ВЫРА́ВНИВАТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **вы́ровняться**; 2 *страд. от* **выра́внивать.**

ВЫРАЖА́ТЬ *несов. см.* **вы́разить.**

ВЫРАЖА́ТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **вы́разиться**; 2 *прост.* сўкинмоқ; 3 *страд. от* **выража́ть.**

ВЫ́РАЖЕНИ/Е *с* 1 *по гл.* **выража́ть**; ~**е благода́рности** ташаккур билдириш, миннатдорлик изҳор қилиш; 2 ифода; **матема́тическое ~е** математик ифода; **цена́ — де́нежное ~е сто́имости** баҳо қийматнинг пул билан белгиланган ифодасидир; 3 ташқи кўринишда (кўзда, юзда) акс этган белги, ҳолат; ~**е лица́** чеҳрасида акс этган белги; чеҳра; 4 ифода, ибора, таъбир, гап, сўз; **о́бразное ~е** образли ибора; ✦ **без ~я** (говори́ть, чита́ть и т. п.) ифодасиз, жонсиз, ўлик (гапириш, ўқиш ва ҳ. к. ҳақида); **с ~ем** (чита́ть, петь и т. п.) ифодали (жонли) қилиб, завқ билан (ўқимоқ, куйламоқ ва ҳ. к.).

ВЫРАЗИ́ТЕЛЬ *м* ифодаловчи, ифодачи; ~ **иде́й наро́дных масс** халқ оммаси ғояларининг ифодачиси; **Пу́шкин — ~ ру́сского наро́дного ду́ха** Пушкин рус халқ руҳининг ифодачисидир; Пушкин рус халқи руҳини ифодалаб берган шоирдир.

ВЫРАЗИ́ТЕЛЬНИЦА *ж см.* **выразйтель.**

ВЫРАЗИ́ТЕЛЬНО *нареч.* ифодали (жонли, таъсирли) қилиб, маънодор, дона-дона.

ВЫРАЗИ́ТЕЛЬНОСТЬ *ж* ифодалилик, жонлилик, маънодорлик; ~ **го́лоса** овознинг жонлилиги.

ВЫРАЗИ́ТЕЛЬН/ЫЙ, **-ая**, **-ое**; **-лен**, **-льна** ифодали, жонли, маъноли, маънодор; ~**ое лицо́** жонли чеҳра; ~**ый взгляд** маъноли (маънодор) қараш; ~**ое чте́ние** ифодали ўқиш.

ВЫРАЗИ́ТЬ, **-ажу**, **-азишь** *сов. (несов.* **выража́ть**) *что* 1 ифодаламоқ, ифода қилмоқ, айтмоқ, билдирмоқ, изҳор қилмоқ; ~ **мысль** фикр ифодаламоқ (билдирмоқ); бирор фикр айтмоқ; ~ **призна́тельность** миннатдорлик билдирмоқ (изҳор қилмоқ); 2 ифодаламоқ, белгиламоқ, кўрсатмоқ; ~ *что-л.* **в ци́фрах** рақамлар билан ифодаламоқ (кўрсатмоқ).

ВЫРАЗИ/ТЬСЯ, **-ажусь -азишься** *сов. (несов.* **выража́ться**) 1 айтмоқ, гапирмоқ; фикрини ифода қилмоқ; ~**ться то́чно и кра́тко** қисқа ва лўнда гапирмоқ; 2 ифодаланмоқ; кўринмоқ, намоён бўлмоқ; **сове́тский патриоти́зм ~лся в ма́ссовом героизме на поля́х сраже́ний** совет ватанпарварлиги жанг майдонларидаги оммавий қаҳрамонликда намоён бўлди; 3 иборат бўлмоқ, ташкил қилмоқ; **расхо́ды ~лись в значи́тельной су́мме** харажатлар каттагина суммани ташкил қилди.

ВЫРАСТА́ТЬ *несов. см.* **вы́расти.**

ВЫРАСТИ́, **-ту**, **-тешь**; **-рос**, **-ла** *сов. (несов.* **выраста́ть**) 1 ўсмоқ, бўйи чўзилмоқ; **ма́льчик заме́тно вы́рос за ле́то** ёзда бола сезиларли ўсибди; ёзда боланинг бўйи анча ўсиб (чўзилиб) қолибди; 2 катта бўлмоқ, ўсмоқ, улғаймоқ, вояга етмоқ; **вы́расту, ста́ну механиза́тором** катта бўлганимда механизатор бўламан; — **Я вы́росла среди́ простонаро́дья** (Паустовский) Мен оддий халқ орасида катта бўлганман (етишиб чиққанман); 3 *перен.* ўсмоқ, билими (онги, мартабаси ва ҳ. к.) ошмоқ, бирор даражага кўтарилмоқ; ~ **за вре́мя учёбы в те́хникуме** техникумда ўқиш даврида ўсмоқ; ~ **на практи́ческой рабо́те до дире́ктора** амалий ишда директор даражасига кўтарилмоқ; 4 *из чего разг.* ўсмоқ (ўсиб) чиқиб кетмоқ; **де́вочка вы́росла из пла́тья** қиз ўсиб кўйлаги кичик келиб қолди; 5 ўсмоқ, ошмоқ, кўпаймоқ, кўтарилмоқ; **вы́росли дохо́ды населе́ния** аҳолининг даромади ошди (кўпайди); **производи́тельность труда́ вы́росла в два ра́за** иш унумдорлиги икки марта ошди (кўтарилди); 6 ўсмоқ, ўсиб кетмоқ; кўкармоқ, чиқмоқ; **борода́ вы́росла** соқоли ўсибди (ўсиб кетибди); соқоли чиқибди; **на поля́не вы́росли ма́ки** сайҳонда лолақизғалдоқлар чиқибди; 7 *перен.* барпо (бино) бўлмоқ, кўтарилмоқ; қад кўтармоқ; **в Ташке́нте вы́росли но́вые жилы́е масси́вы** Тошкентда янги ту-

www.ziyouz.com kutubxonasi

рар жой массивлари барпо бўлди; 8 кўринмоқ, намоён бўлмоқ; **пе́ред на́ми вы́росли го́ры** бизнинг олдимизда тоғлар намоён бўлди; ✦ ~ *в чьих-л.* **глаза́х** бошқалар олдида эътибор қозонмоқ, обрўйи ошмоқ.

ВЫРАСТИ́ТЬ, **-ащу**, **-астишь** *сов.* (*несов.* **выра́щивать**) *кого-что* 1 ўстирмоқ, тарбиялаб катта қилмоқ, етиштирмоқ; ~ **дете́й** болаларни ўстирмоқ (тарбиялаб катта қилмоқ); ~ **высо́кий урожа́й** юқори ҳосил етиштирмоқ; 2 *перен.* етиштирмоқ, тайёрламоқ; ~ **ка́дры** кадрлар етиштирмоқ.

ВЫРАЩИВА́НИЕ *с по гл.* **выра́щивать**; ~ **плодо́вых дере́вьев** мевали дарахтларни ўстириш; ~ **молоды́х специали́стов** ёш мутахассисларни етиштириш.

ВЫРАЩИВА́ТЬ *несов. см.* **вы́растить.**

ВЫРВАТЬ I *сов.* (*несов.* **вырыва́ть** I) *кого-что* 1 юлиб олмоқ, суғуриб олмоқ; юлиб ташламоқ; ~ **сорняки́** бегона ўтларни юлиб ташламоқ; ~ **из рук** қўлдан юлиб олмоқ; ~ **зуб** тишини суғуриб олмоқ; тишини олдирмоқ; ~ **страни́цу** варақни йиртиб (юлиб) олмоқ; 2 *перен. разг.* мажбур қилмоқ; кўндирмоқ, унатмоқ; ~ **призна́ние** иқрор қилдирмоқ; ✦ ~ **из се́рдца** *кого-что* юракдан (кўнгилдан) чиқариб ташламоқ, унутмоқ.

ВЫРВА́/ТЬ II, **-вет** *сов.* (*несов.* **вырыва́ть** II) *разг.* қусмоқ, қайт қилмоқ; **его́ ~ло** у қусди; у қайт қилди (қайт қилиб ташлади).

ВЫРВА́/ТЬСЯ, **-вусь**, **-вешься** *сов.* (*несов.* **вырыва́ться** I) 1 тушиб кетмоқ; чиқиб кетмоқ; ~**ться из рук** қўлидан тушиб (ёки чиқиб) кетмоқ; 2 чиқиб кетмоқ, қутулмоқ, қутулиб чиқмоқ, чиқиб олмоқ; ажралиб чиқмоқ; ~**ться из вра́жеского окруже́ния** душман қуршовидан қутулиб чиқмоқ; ~**ться из толпы́** тўдадан ажралиб чиқмоқ (чиқиб олмоқ); 3 чиқмоқ, отилиб чиқмоқ; лоп этиб кўтарилмоқ; **из трубы́ ~лось пла́мя** трубадан лоп этиб аланга чиқди; 4 беҳосдан айтиб юбормоқ, чиқиб кетмоқ; ~**лось призна́ние в вино́вности** беҳосдан (кутмаганда) айбини бўйнига олди (айбига иқрор бўлди); ~**лся стон** бирдан ингроқ овози эшитилди.

ВЫ́РЕЗ *м* 1 *по гл.* **вы́резать**; 2 кесиб олинган нарса, қирқим; **ни́зкий ~ во́рота** чуқур ўйилган ёқа.

ВЫРЕЗА́ТЬ, **-ежу**, **-ежешь** *сов.* (*несов.* **выреза́ть**) 1 *что* кесиб (қирқиб) олмоқ; кесиб (қирқиб) ташламоқ; ~ **карти́нки** расмларни қирқиб олмоқ; ~ **о́пухоль** шишни қирқиб ташламоқ; 2 *что* ўйиб ёзмоқ, нақш солмоқ; қирқиб ясамоқ; ~ **узо́р** ўйиб нақш солмоқ; ~ **своё и́мя** ўз отини ўйиб ёзмоқ; ~ **из карто́на кружо́к** картондан қирқиб доира ясамоқ; 3 *кого-что* қирмоқ, қириб ташламоқ, қиличдан ўтказмоқ; 4 *обл.* бўғизлаб кетмоқ (бўри ҳақида).

ВЫРЕЗА́ТЬ *несов. см.* **вы́резать.**

ВЫРЕЗА́ТЬСЯ, **-ежется** *сов.* (*несов.* **выреза́ться**) 1 кесиб (қийиб, қирқиб) олинмоқ, кесилиб (қирқилиб) тушмоқ; 2 аниқ (равшан, яққол) кўринмоқ, намоён бўлмоқ, ажралиб турмоқ.

ВЫРЕЗА́ТЬСЯ, **-ается** *несов.* 1 *см.* **вы́резаться**; 2 *страд. от* **вырезáть.**

ВЫ́РЕЗКА *ж* 1 *по гл.* **вы́резать** 1—3; 2 қирқиб олинган нарса, парча; **газе́тная** ~ газетадан қирқиб олинган парча; 3 пушти мағиз (умуртқа суягининг ўрта қисмига ёпишган лаҳм гўшт).

ВЫ́РЕЗНО/Й, **-а́я**, **-о́е** ўйиб (ёки кесиб, қирқиб) ясалган; ўйма нақшли, нақшин, ўймакор; ~**е кре́сло** ўйма нақшли (ўймакор) кресло; ~**й карто́нный конёк** картондан қирқиб ясалган отча.

ВЫРЕ́ЗЫВАТЬ *несов. см.* **вырезáть.**

ВЫРЕ́ЗЫВАТЬСЯ, **-ается** *несов.* 1 *см.* **вы́резаться**; 2 *страд. от* **выре́зывать.**

ВЫРЕШИ́ТЬ *сов. что прост.* узил-кесил ҳал қилмоқ.

ВЫРЕШИ́ТЬСЯ *сов. прост.* узил-кесил ҳал бўлмоқ (қилинмоқ).

ВЫРИСОВА́ТЬ *сов.* (*несов.* **вырисо́вывать**) *что* яхшилаб (диққат билан) чизмоқ; аниқ (дона-дона қилиб) ёзмоқ; ~ **сте́бель хлопча́тника** диққат билан пахта тупининг суратини чизмоқ; ~ **ка́ждую бу́кву** ҳар бир ҳарфни диққат билан (дона-дона қилиб) ёзмоқ.

ВЫРИСОВА/ТЬСЯ, **-суется** *сов.* (*несов.* **вырисо́вываться**) аниқ намоён бўлмоқ, равшан кўринмоқ.

ВЫРИСО́ВЫВАТЬ *несов. см.* **вы́рисовать.**

ВЫРИСОВЫВА/ТЬСЯ, **-ается** *несов.* 1 *см.* **вы́рисоваться**; **на горизо́нте ~лись го́ры** уфқда тоғлар аниқ кўриниб турар эди; 2 *страд. от* **вырисо́вывать.**

ВЫРО́ВНЯТЬ *сов.* (*несов.* **выра́внивать**) *что* 1 текисламоқ, бараварламоқ; теп-текис қилмоқ; ~ **доро́гу** йўлни текисламоқ; 2 тўғриламоқ, текисламоқ; тўппа-тўғри (адил) қилмоқ; тўғрилаб олмоқ; ~ **ряды́** қаторларни (сафларни) тўғриламоқ; ~ **самолёт** самолётни тўғрилаб олмоқ.

ВЫРО́ВНЯ/ТЬСЯ *сов.* (*несов.* **выра́вниваться**) 1 текисланмоқ, тўғриланмоқ, теп-текис бўлмоқ; 2 тўғриланмоқ, ростланмоқ, адил (тик) бўлмоқ; бир чизиққа (ёки горизонтал, вертикал ҳолатга) келмоқ; **ряды́ ~лись** қаторлар ростланди (тўғриланди, тўғри бўлди); **ребёнок ~лся** боланинг кадди тикланди (тик бўлди); 3 тузалмоқ, яхшиланмоқ, эпақага келмоқ; **хара́ктер ~лся** хулқ-атвори тузалди.

ВЫРОДИ́/ТЬСЯ, **-ится** *сов.* (*несов.* **вырожда́ться**) 1 айнимоқ, зоти (насли) бузилмоқ; ёмон томонга ўзгармоқ; **расте́ние ~лось** ўсимлик айчиди; 2 *разг.* айнимоқ; ёмон (ёки яхши) томонга ўзгармоқ, бошқача бўлиб қолмоқ, бошқача бўлиб туғилмоқ.

ВЫ́РОД/ОК *м, р.* **-дка** *разг.* 1 айниган, зоти (насли) бузилган шахс; инсон қиёфасини йўқотган одам; зоти бузуқ; разил; ~**ки челове́чества** инсон қиёфасини йўқотган одамлар, разиллар; 2 бошқача бўлиб қолган (туғилган), аждодларига ўхшамаган одам.

ВЫРОЖДА́ЕМОСТЬ *ж* айниш, зоти (насли) бузилиш; ёмон томонга ўзгариш.

ВЫРОЖДА́ТЬСЯ, **-а́ется** *см.* **вы́родиться.**

ВЫРОЖДЕ́НЕЦ *м, р.* **-нца** жисмоний (ёки руҳий) томондан айниган одам, дегенерат.

ВЫРОЖДЕ́НИ/Е *с по гл.* **вы́родиться — вырожда́ться**; **при́знаки ~я** насл бузилиши аломатлари; **духо́вное ~е** маънавий жиҳатдан айниш, тубанлашиш.

ВЫРОЖДЕ́НКА *ж, р. мн.* **-нок** *см.* **вырожде́нец.**

ВЫРОЖДЕ́НЧЕСКИЙ, **-ая**, **-ое** *то же, что* **дегенерати́вный.**

ВЫРОИ́ТЬСЯ, **-ится** *сов.* янги оилага (уяга) ажралиб чиқмоқ (асалари ҳақида).

ВЫРОНИ́ТЬ *сов. что* тушириб юбормоқ; тушириб қўймоқ; ~ **плато́к** рўмолчани тушириб юбормоқ (ёки тушириб қўймоқ).

ВЫ́РОСТ I *м* 1 ўсиқ, ўсимта, ўсма; 2 қавариқ, дўмбоқ.

ВЫ́РОСТ II: **на ~(шить)** *прост.* тўкис(роқ) қилиб (гавданинг ўсишини ҳисобга олиб) тикмоқ.

ВЫРОСТ/И́, -а́я, -о́е *спец.* кўпайтириш (урчитиш) билан боғлиқ бўлган, шунинг учун белгиланган; кўпайтириш...; урчитиш...; ~**ые пруды́ рыбово́дного хозя́йства** балиқчилик хўжалигининг балиқ урчитиш ҳавзалари.

ВЫРОСТО́К *м, р.* **-тка** 1 *обл.* уйда боқилган мол, қўлбола ҳайвон; 2 *спец.* бузоқ териси ва ундан ишланган кўн.

ВЫ́РУБ *м то же, что* **вы́рубка.**

ВЫРУБА́ТЬ *несов. см.* **вы́рубить.**

ВЫРУБА́ТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **вы́рубиться**; 2 *страд. от* **вырубáть.**

ВЫРУБИ́ТЬ, **-блю**, **-бишь** *сов.* (*несов.* **вырубáть**) *что* 1 (дарахт) кесмоқ, кесиб олмоқ, кесиб ташламоқ; ~ **засо́хшие дере́вья** қуриб қолган дарахтларни кесиб ташламоқ; 2 кесиб йўқ қилмоқ, битирмоқ; кесиб жой очмоқ; ~ **лес** дарахтларни кесиб ўрмонни битирмоқ; ~ **про́секу** дарахтларни кесиб ўрмон ўртасидан йўл очмоқ; 3 кесиб (чопиб, ўйиб) олмоқ; ~ **кусо́к льда** бир бўлак муз кесиб олмоқ; 4 чопиб (кертиб, ўйиб) ясамоқ, қилмоқ; 5 ковлаб (қазиб) олмоқ, чиқармоқ (руда, кўмир ҳақида).

ВЫРУБИ́ТЬСЯ, **-блюсь**, **-бишься** *сов.* (*несов.* **вырубáться**) кесиб, йўл очиб чиқмоқ (чангалзордан, қалин дарахтзордан).

ВЫ́РУБК/А *ж* 1 *по гл.* **вы́рубить**; ~**а ле́са** дарахтларни кесиш; дарахтларни кесиб жой очиш; 2 *прост.* кесилган (кесиб олинган) жой, кесик, кертик; **сде́лать ~у на бревне́** ёғочга кертик солмоқ; 3 дарахт кесилган (дарахт кесиб очилган) жой, майдон; **на ~е расту́т молоды́е берёзы** дарахт кесиб очилган жойда ёш қайинлар ўсмоқда.

ВЫРУГА́ТЬ *сов. кого-что разг.* 1 сўкмоқ, койимоқ, сўкиб бермоқ; 2 ёмонламоқ, чаплямоқ, ёмон баҳо бермоқ.

ВЫРУГА́ТЬСЯ *сов. разг.* сўкинмоқ, койинмоқ.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ВЫРУ́ЛИВАТЬ *несов. см.* **вы́рулить.**

ВЫРУЛИ́ТЬ *сов. (несов.* **выру́ливать**) 1 *что* ерда юргизиб бирор жойга олиб бормоқ (келмоқ, чиқмоқ); **~ть самолёт на старт** самолётни стартга (старт жойига) олиб келмоқ; 2 ерда юриб бирор жойга бормоқ (келмоқ, чиқмоқ); **самолёт ~л на старт** самолёт старт жойига келди.

ВЫРУЧА́ТЬ *несов. см.* **вы́ручить.**

ВЫРУЧА́ТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **вы́ручиться**; 2 *страд. от* **выруча́ть.**

ВЫРУЧИТЬ *сов. (несов.* **выруча́ть**) *разг.* 1 *кого-что уст.* қайтариб олмоқ; қутқариб олмоқ (чиқармоқ); **~ зало́женные ве́щи** гаровга қўйилган нарсаларни қайтариб олмоқ; **~ зало́жников** гаровга тутиб турилган кишиларни қутқармоқ; 2 *кого-что* қутқармоқ; ёрдам қилмоқ (кўрсатмоқ); **~ из беды́** фалокатдан (бало-офатдан) қутқармоқ; 3 *что* даромад қилмоқ; пул туширмоқ; **~ де́ньги за това́р** мол савдосидан (савдодан) пул туширмоқ.

ВЫРУЧИ́ТЬСЯ *сов. (несов.* **выруча́ться**) *разг.* қутулмоқ, халос бўлмоқ; чиқмоқ; **~ из беды́** фалокатдан (бало-офатдан) қутулмоқ; 2 тушмоқ, келмоқ, кирмоқ (пул, даромад ҳақида).

ВЫРУЧК/А *ж* 1 *разг. по гл.* **вы́ручить** 1, 2; 2 тушган пул; тушим, кирим, даромад, савдо; **дневна́я ~а** бир кунлик тушим; бир кунлик савдо; **◆ на ~у** (идти, спешить и т. п.) ёрдамга келмоқ (бормоқ, шошилмоқ); ёрдам қўлини чўзмоқ.

ВЫРЫВА́ТЬ I *несов. см.* **вы́рвать** I.

ВЫРЫВАТЬ II *несов. см.* **вы́рыть.**

ВЫРЫВА́ТЬСЯ I *несов.* 1 *см.* **вы́рваться**; 2 силтанмоқ, қутулиб чиқишга уринмоқ; **~ из рук** қўлдан чиқиб кетишга уринмоқ; 3 *страд. от* **вырыва́ть** I.

ВЫРЫВА́ТЬСЯ II *несов.* 1 *см.* **вы́рыться**; 2 *страд. от* **вырыва́ть** II.

ВЫРЫТЬ, -рою, -роешь *сов. (несов.* **вырыва́ть** II) *что* 1 қазимоқ, ковламоқ; **~ я́му** ўра ковламоқ; ўрани қазиб (ковлаб) қўймоқ; 2 қазиб (ковлаб) олмоқ; **~ клад** дафинани қазиб олмоқ.

ВЫРЫТЬСЯ, -роюсь, -роешься *сов. разг.* қазиб (ковлаб) чиқмоқ.

ВЫРЯ́ДИТЬ, -яжу, -ядишь *сов. (несов.* **выряжа́ть**) *кого-что разг.* ясантирмоқ, ясан-тусан кийинтирмоқ.

ВЫРЯ́ДИТЬСЯ, -яжусь, -ядишься *сов. (несов.* **выряжа́ться**) *разг.* ясанмоқ, ясан-тусан кийинмоқ.

ВЫРЯЖА́ТЬ *несов. см.* **вы́рядить.**

ВЫРЯЖА́ТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **вы́рядиться**; 2 *страд. от* **выряжа́ть.**

ВЫСАДИ́ТЬ, -ажу, -адишь *сов. (несов.* **высажа́ть**) 1 *кого-что* туширмоқ, туширib қўймоқ; туширib юбормоқ; **~ из по́езда** поезддан туширib қўймоқ (ёки туширib юбормоқ); **~ пассажи́ров** пассажирларни туширмоқ; **~ деса́нт** десант туширмоқ; 2 *что* кўчириб ўтқазмоқ, расад қилмоқ; **~ са́женцы в грунт** кўчатларни ерга кўчириб ўтқазмоқ; кўчатларни расад қилмоқ; 3 *что прост.* уриб синдирмоқ, синдириб чиқармоқ; **~ дверь** эшикни уриб синдирмоқ; **~ стекло́** ойнани синдириб чиқармоқ.

ВЫСАДИ́ТЬСЯ, -ажусь, -адишься *сов. (несов.* **высажа́ться**) тушмоқ, тушиб қолмоқ, тушиб кетмоқ; **~ из ло́дки** қайиқдан тушмоқ; **~ в пути́** йўлда тушиб қолмоқ; **пассажи́ры вы́садились** пассажирлар тушиб кетишди.

ВЫСАДКА *ж по гл.* **вы́садить** 1, 2 и **вы́садиться**; **~ деса́нта** десант тушириш; **~ рассады́** кўчатларни кўчириб ўтқазиш (расад қилиш).

ВЫСАДКИ *мн., р.* **-док** и **-дков** *(ед.* **вы́садка** *ж,* **вы́садок** *м*) *с.-х.* кўчириб ўтқазилган (расад қилинган) кўчатлар.

ВЫСАЖИВАТЬ *несов. см.* **вы́садить.**

ВЫСАЖИВА́ТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **вы́садиться**; 2 *страд. от* **высажа́ть.**

ВЫСАСЫВАТЬ *несов. см.* **вы́сосать.**

ВЫСВАТАТЬ *сов. (несов.* **высва́тывать**) *кого уст.* и *обл.* унаштирмоқ, унаштириб қўймоқ.

ВЫСВА́ТЫВАТЬ *несов. см.* **вы́сватать.**

ВЫСВЕРЛИВАТЬ *несов. см.* **вы́сверлить.**

ВЫСВЕ́РЛИВАТЬСЯ, -ается *несов.* 1 *см.* **вы́сверлиться**; 2 *страд. от* **высве́рливать.**

ВЫСВЕРЛИТЬ *сов. (несов.* **высве́рливать**) *что* пармалаб тешмоқ (очмоқ); **~ отве́рстие** пармалаб тешик тешмоқ.

ВЫСВЕ́РЛИТЬСЯ, -ится *сов. (несов.* **высве́рливаться**) пармаланиб тешилмоқ (очилмоқ).

ВЫСВЕТИТЬ, -ечу, -етишь *сов. (несов.* **высве́чивать**) *что* ёритмоқ, ёритиб кўрсатмоқ; **~ фонаре́м доро́гу** йўлни фонарь билан ёритмоқ.

ВЫСВЕТИ́ТЬСЯ, -ится *сов.* ёруғда аниқ кўринмоқ.

ВЫСВЕТЛИТЬ *сов. разг.* оқартирмоқ, йилтиратмоқ, ялтироқ қилмоқ.

ВЫСВЕТЛИ́ТЬСЯ. -ится *сов.* оқармоқ, йилтирамоқ, ялтироқ бўлмоқ.

ВЫСВЕ́ЧИВАТЬ *несов. см.* **вы́светить.**

ВЫСВИСТ *м* 1 *по гл.* **вы́свистать**; 2 сайраган овоз; чуғур-чуғур; **~ жа́воронков** тўрғайларнинг сайраган овози, чуғур-чуғури.

ВЫСВИСТАТЬ *сов. что разг. то же, что* **вы́свистеть.**

ВЫСВИСТЕТЬ, -ищу, -ищешь *сов. (несов.* **высви́стывать**) *разг.* 1 *что* ҳуштак чалиб (ҳуштак билан) ижро этмоқ; **~ мело́дию** ҳуштак билан куй чалмоқ; 2 *кого* ҳуштак билан (ҳуштак чалиб) чақирмоқ.

ВЫСВИСТЫВАТЬ *несов.* 1 *см.* **вы́свистеть и вы́свистать**; 2 ҳуштак чалмоқ, оҳанг билан сайрамоқ (ёки чуғурламоқ, чийилламоқ, ғувулламоқ ва ҳ. к.).

ВЫСВОБОДИ́ТЬ, -ожу, -одишь *сов. (несов.* **высвобожда́ть**) *кого-что* 1 бўшатмоқ, бўшатиб (ечиб, чиқариб) олмоқ; бўшатиб юбормоқ; **~ но́гу из стре́мени** оёқни узангидан чиқариб олмоқ; 2 озод қилмоқ, қутқармоқ; **~ зало́жников** гаровдагиларни озод қилмоқ; 3 ажратмоқ, айирмоқ; бўшатмоқ; **~ часть оборо́тных средств** оборот маблағларининг бир қисмини бўшатмоқ (ёки ажратмоқ); **~ рабо́чие ру́ки за счёт механиза́ции сельскохозя́йственных рабо́т** қишлоқ хўжалик ишларини механизациялаштириш ҳисобига ишчи қўлларининг бир қисмини (бошқа ишларга) бўшатмоқ.

ВЫСВОБОДИ́/ТЬСЯ, -ожусь, -одишься *сов. (несов.* **высвобожда́ться**) 1 бўшалмоқ, қутулмоқ, озод бўлмоқ, чиқмоқ, нажот топмоқ; **~ться из объя́тий** қучоғидан қутулмоқ (чиқмоқ); 2 озод бўлмоқ, бўшамоқ; **~вшиеся сре́дства** бўшаган маблағлар.

ВЫСВОБОЖДАТЬ *несов. см.* **вы́свободить.**

ВЫСВОБОЖДА́ТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **вы́свободиться**; 2 *страд. от* **высвобожда́ть.**

ВЫСВОБОЖДЕ́НИЕ *с по гл.* **высвобожда́ть** и **высвобожда́ться.**

ВЫСЕВ *м* 1 сепиш, сочиш, экиш; **~ семя́н** уруғ сепиш (экиш); 2 сепилган (сепиладиган, экиладиган) дон миқдори; **но́рмы ~а** сепиладиган (экиладиган) дон нормаси.

ВЫСЕВА́НИЕ *с по гл.* **высева́ть.**

ВЫСЕВА́ТЬ *несов. см.* **вы́сеять.**

ВЫСЕВА́ТЬСЯ, -а́ется *несов.* 1 *см.* **вы́сеяться**; 2 *страд. от* **высева́ть.**

ВЫСЕВАЮЩИ/Й, -ая, -ее 1 *прич. от* **высева́ть**; 2 *в знач. прил.* экадиган, сепадиган, сочадиган; сепиш...; сочиш...; **~е маши́ны** (уруғ) сепадиган машиналар.

ВЫСЕВКИ *мн., р.* **-вков** и **-вок** элакда қолган чиқит; кепак, чори; **мучны́е ~** унинг элакда қолган чиқити, кепаги.

ВЫСЕ́ИВАТЬ *несов. см.* **вы́сеять.**

ВЫСЕ́ИВАТЬСЯ, -ается *несов.* 1 *см.* **вы́сеяться**; 2 *страд. от* **высе́ивать.**

ВЫСЕКА́ТЬ *несов. см.* **вы́сечь** I.

ВЫСЕЛЕ́НИЕ *с по гл.* **выселя́ть** и **выселя́ться**; **~ в но́вые райо́ны** янги районларга кўчириш.

ВЫСЕЛИТЬ *сов. (несов.* **выселя́ть**) *кого-что* 1 кўчишга мажбур қилмоқ, мажбуран кўчирмоқ, кўчириб (чиқариб) юбормоқ; **~ из кварти́ры** квартирадан кўчириб (чиқариб) юбормоқ; 2 бир жойдан иккинчи жойга кўчирмоқ, кўчириб олиб бормоқ.

ВЫСЕЛИ́ТЬСЯ *сов. (несов.* **выселя́ться**) *разг.* кўчмоқ, кўчиб кетмоқ; **~ из ста́рого до́ма** эски уйдан кўчиб кетмоқ.

ВЫСЕЛКИ *мн. (ед.* **выселок** *м*) янги қишлоқ; катта қишлоқдан ажралиб чиққан янги қишлоқлар.

ВЫСЕЛЯ́ТЬ *несов. см.* **вы́селить.**

ВЫСЕЛЯ́ТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **вы́селиться**; 2 *страд. от* **выселя́ть.**

www.ziyouz.com kutubxonasi

ВЫСЕМЕНИТЬСЯ, -ится *сов. с.-х.* уруғини тўкиб юбормоқ.

ВЫСЕРЕБРИТЬ *сов. что* кумушламоқ, кумуш югуртирмоқ; ~ **ло́жки** қошиқларни кумушламоқ; қошиқларга кумуш югуртирмоқ.

ВЫСЕ́ЧЬ I, -еку, -ечешь *сов. (несов.* **высека́ть**) *что* 1 кесиб (ўйиб) нақш солмоқ; нақш (ёзув ва ҳ. к.) ўймоқ; ~ **на́дпись на ка́мне** тошга ўйиб ёзмоқ; 2 (тошдан) кесиб ясамоқ; ~ **бюст** тошни кесиб бюст ясамоқ; ✦ ~ **ого́нь** чақмоқлаб (чақмоқ билан) ёндирмоқ; ~ **и́скру** чақмоқ тошни уриб ўт чиқармоқ.

ВЫСЕ́ЧЬ II, -еку, -ечешь *сов. кого* саваламоқ, урмоқ; ~ **ро́згами** хипчин билан саваламоқ.

ВЫСЕЯТЬ *сов. (несов.* **высева́ть** и **высе́ивать**) *что* бутамом экмоқ, сепмоқ, сочмоқ; экиб (сепиб, сочиб) бўлмоқ; экиб (сочиб) қўймоқ; ~ **сто пудо́в пшени́цы** юз пуд буғдой сепмоқ (сепиб қўймоқ).

ВЫСЕЯ́ТЬСЯ, -еются *сов. (несов.* **высева́ться** и **высе́иваться**) сочилмоқ; тўкилмоқ (ўсимликнинг пишган, етилган уруғи ҳақида).

ВЫСИДЕ́ТЬ, -ижу, -идишь *сов. (несов.* **высе́живать**) 1 *разг.* бирор жойда маълум вақт ўтирмоқ, бўлмоқ; ~ **до конца́ собра́ния** мажлиснинг охиригача ўтирмоқ (бўлмоқ); 2 *кого* тухум босиб жўжа (бола) очиб чиқмоқ; бола очмоқ; ~ **птенцо́в** тухум босиб бола очмоқ; 3 *перен. что прост.* кўп ўтириб (ўйлаб-ўйлаб) бир нарсага эришмоқ; ~ **мысль** кўп ўтириб (ўйлаб-ўйлаб) бир фикрга келмоқ (ақл топмоқ).

ВЫСИДЕ́ТЬСЯ, -ижусь, -идишься *сов. (несов.* **высе́живаться**) бирор ерда узоқ ўтирмоқ, ўтириб қолмоқ.

ВЫСИ́ДКА *ж* 1 *разг. по гл.* **вы́сидеть** 2; 2 *прост. уст.* қамалиш, қамоқда (турмада) ўтириш, ётиб чиқиш.

ВЫСИ́ЖИВАНИЕ *с* 1 *по гл.* **высе́живать** и **высе́живаться**; ~ **цыпля́т** тухум босиб жўжа очиб чиқиш; ~ **до́ма** уйда ўтириш.

ВЫСИ́ЖИВАТЬ *несов. см.* **вы́сидеть.**

ВЫСИ́ЖИВАТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **вы́сидеться**; 2 *страд. от* **высе́живать.**

ВЫСИНИТЬ *сов. что разг.* 1 кўкка бўямоқ (беламоқ); кўк нарса юқтирмоқ; 2 синькаламоқ, синькага босмоқ; ~ **бельё** кирни синькаламоқ.

ВЫСИТ/ЬСЯ, -ится *несов.* юксалмоқ; юксалиб (баланд кўтарилиб, қад кўтариб) турмоқ; **вдали́** ~**ся ба́шня** узоқда минора юксалиб (қад кўтариб) турибди.

ВЫСКАБЛИВАТЬ *несов. см.* **вы́скоблить.**

ВЫСКАЗАТЬ, -ажу, -ажешь *сов. (несов.* **выска́зывать**) *что* 1 айтмоқ, билдирмоқ, изҳор (баён) қилмоқ, гапирмоқ; айтиб (гапириб) бермоқ; ~ **своё мне́ние** ўз фикрини айтмоқ; фикр билдирмоқ; ~ **предположе́ние** тахмин қилмоқ, фараз қилмоқ; ~ **всё** ҳаммасини айтиб бермоқ; 2 *уст.* ошкор қилмоқ, фош қилмоқ, билдириб қўймоқ; ~ **та́йну** сирини ошкор қилмоқ (билдириб қўймоқ).

ВЫСКАЗА́ТЬСЯ, -ажусь, -ажешься *сов. (несов.* **выска́зываться**) ўз фикрини баён қилмоқ, мулоҳаза билдирмоқ, гапирмоқ, гапириб чиқмоқ; ~ **положи́тельно** биров ҳақда ижобий гапирмоқ; **вы́сказались два челове́ка** икки киши фикр билдирдилар (гапириб чиқди); ~ **про́тив** *чего-л.* қарши гапирмоқ; ~ *за что-л.* ёқлаб гапирмоқ.

ВЫСКАЗЫВАНИ/Е *с* 1 *по гл.* **выска́зывать** и **выска́зываться**; ~**е своёй мы́сли** ўз фикрини билдириш; 2 мулоҳаза, фикр; ~**я кла́ссиков** классикларнинг фикрлари.

ВЫСКАЗЫВАТЬ *несов. см.* **вы́сказать.**

ВЫСКАЗЫВАТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **вы́сказаться**; 2 *страд. от* **выска́зывать.**

ВЫСКАКАТЬ, -ачу, -ачешь *сов. (несов.* **выска́кивать**) отда чиқиб келмоқ; ~ **на доро́гу** йўлга от югуртириб (қўйиб) чиқмоқ.

ВЫСКА́КИВАТЬ *несов.* 1 *см.* **вы́скакать**; 2 *см.* **вы́скочить.**

ВЫСКА́ЛЬЗЫВАТЬ *несов. см.* **вы́скользнуть.**

ВЫСКОБЛИТЬ *сов. что* 1 (*несов.* **выска́бливать**) қириб олмоқ, қириб (қиртишлаб) тозаламоқ, қириб ташламоқ; 2 қириб текисламоқ, силлиқламоқ; 3 *мед.* қириб тозаламоқ.

ВЫСКОЛЬЗА́ТЬ *несов. см.* **вы́скользнуть.**

ВЫСКОЛЬЗНУТЬ *сов. (несов.* **выска́льзывать** и **выскользна́ть**) 1 сирғаниб чиқиб (ёки тушиб) кетмоқ; ~ **из рук** қўлдан сирғаниб чиқиб (тушиб) кетмоқ; 2 *перен. разг.* секин (билдирмасдан) чиқиб кетмоқ; шабохун урмоқ; ~ **из ко́мнаты** уйдан секин (билдирмай) чиқиб кетмоқ.

ВЫСКОЧИТЬ *сов. (несов.* **выска́кивать**) 1 лип этиб (сакраб) чиқиб кетмоқ; сакраб тушмоқ; ~ **из окна́** деразадан лип этиб (сакраб) чиқиб кетмоқ; ~ **из трамва́я** трамвайдан сакраб тушмоқ (тушиб қолмоқ); 2 *разг.* бирдан (югуриб, лип этиб) чиқиб қолмоқ, пайдо бўлмоқ; ~ **из-за угла́** муюлишдан югуриб чиқиб қолмоқ; 3 *перен. разг.* бирдан пайдо бўлмоқ, чиқмоқ; **вы́скочил фуру́нкул** бирдан чипқон чиқиб қолди; 4 жойидан чиқиб (ёки тушиб) кетмоқ; **вы́скочил ви́нтик** винти чиқиб кетди; 5 *разг.* ҳаммадан олдин суқилмоқ, ноўрин аралашмоқ; ~ **со свои́ми замеча́ниями** ҳаммадан олдин ўз мулоҳазалари билан суқилмоқ; 6 жуда тез (меҳнат қилмай-нетмай) эришмоқ; кўтарилмоқ; ~ **в победи́тели** жуда тез (меҳнат қилмай-нетмай) ғолиблар қаторига кириб олмоқ; ✦ ~ **из голово́ы** эсдан чиқмоқ; ~ **из па́мяти** хаёлидан (хотирадан) кўтарилмоқ; ~ **за́муж** шошма-пошма эрга тегмоқ, турмушга чиқиб олмоқ.

ВЫСКОЧКА *м* и *ж. р. мн.* **-чек** 1 қўлидан келмайдиган мансабга миниб олган (у-бу қилиб тез мартабага эришган) одам, тирранча, жўжахўроз; 2 ҳар ишга (гапга) суқилувчи одам, маҳмадона.

ВЫСКРЕБА́ТЬ *несов. см.* **вы́скрести.**

ВЫСКРЕСТИ, -ребу, -ребешь *сов. (несов.* **выскреба́ть**) *что разг.* 1 қириб (қиртишлаб) тозаламоқ; ~ **сковороду́** товани қириб (қиртишлаб) тозаламоқ; ~ **двор** ҳовлини қириб (супуриб-сидириб) тозаламоқ; 2 қириб (сидириб) олмоқ; ~ **муку́** унни қириб (сидириб) олмоқ; 3 қиртишлаб ўймоқ, чуқур қилмоқ.

ВЫСЛАТЬ, вы́шлю, вы́шлешь *сов. (несов.* **высыла́ть**) *кого-что* 1 юбормоқ, жўнатмоқ; ~ **посы́лку** посилка юбормоқ; ~ **дозо́р** дозор юбормоқ; 2 чиқариб юбормоқ; ҳайдаб чиқармоқ; ~ **из до́ма** уйдан чиқариб юбормоқ; 3 бадарға (сургун) қилмоқ; ~ **из столи́цы** марказдан бадарға қилмоқ.

ВЫСЛЕ́ДИТЬ, -ежу, -едишь *сов. (несов.* **высле́живать**) *кого-что* кузатиб (таъқиб қилиб, изма-из бориб) топмоқ, изига тушмоқ; ~ **лиси́цу** тулкини изма-из (изидан) бориб топмоқ; ~ **шпио́на** жосуснинг изига тушмоқ.

ВЫСЛЕ́ЖИВАНИЕ *с по гл.* **высле́живать**; ~ **кабана́** қобонни изидан бориб топиш, қобоннинг изига тушиш.

ВЫСЛЕ́ЖИВАТЬ *несов. см.* **вы́следить.**

ВЫСЛУГ/А *ж* белгили хизмат муддатини ўташ; **пе́нсия за** ~**у лет** белгили муддат хизмат қилгани учун тайинланадиган пенсия; ✦ **за** ~**ой лет** *уст.* белгили хизмат муддатини адо этганлиги сабабли.

ВЫСЛУЖИВАТЬ *несов. см.* **вы́служить.**

ВЫСЛУЖИВАТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **вы́служиться**; 2 *страд. от* **выслу́живать.**

ВЫСЛУЖИТЬ *сов. (несов.* **выслу́живать**) 1 *разг.* маълум бир вақт хизмат қилмоқ; ~ **два́дцать лет** йигирма йил хизмат қилмоқ; 2 *что* хизмат қилиб олмоқ, хизмат туфайли эришмоқ, муваффақ (сазовор) бўлмоқ; ~ **награ́ду** хизмат туфайли мукофотга сазовор бўлмоқ; ~ **пе́нсию** белгили хизмат қилиб пенсия олишга муваффақ бўлмоқ.

ВЫСЛУЖИТЬСЯ *сов. (несов.* **выслу́живаться**) 1 *уст.* хизмат қилиб кўтарилмоқ, бирор мартабага эришмоқ; 2 *перед кем* хизматини (айтганини) қилиб яхши кўринмоқ, пинжига кириб олмоқ; ~ **перед нача́льством** хизматини (айтганини) қилиб бошлиқларга яхши кўринмоқ.

ВЫСЛУША/ТЬ *сов. (несов.* **выслу́шивать**) *кого-что* 1 қулоқ солиб тингламоқ; охиригача эшитмоқ; **он** ~**л меня́** у менинг гапимни охиригача қулоқ солиб тинглади; 2 *мед.* эшитиб кўрмоқ, қулоқ солиб текширмоқ; ~**ть лёгкие у больно́го** беморнинг ўпкасини эшитиб кўрмоқ.

ВЫСЛУШИВАНИЕ *с по гл.* **выслу́шивать**; ~ **приговора** ҳукмни эшитиш; ~ **се́рдца** юракнинг фаолиятини эшитиб кўриш.

ВЫСЛУШИВАТЬ *несов. см.* **вы́слушать.**

ВЫСМА́ЛИВАТЬ *несов. см.* **вы́смолить.**

ВЫСМА́ЛИВАТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **вы́смолиться**; 2 *страд. от* **высма́ливать.**

www.ziyouz.com kutubxonasi

ВЫСМАТРИВАТЬ *несов.* 1 *см.* **высмотреть**; 2 *разг.* мўраламоқ, мўралаб қарамоқ.

ВЫСМЕИВАТЬ *несов. см.* **высмеять**.

ВЫСМЕЯТЬ *сов. (несов.* **высме́ивать**) *кого-что* масхара қилмоқ, мазах (майна) қилмоқ, кулмоқ; ~ **лгуна́** ёлғончини мазах қилмоқ, ёлғончининг устидан кулмоқ.

ВЫСМЕЯТЬСЯ *сов. разг.* мириқиб кулмоқ, роса кулмоқ.

ВЫСМОЛИТЬ *сов. (несов.* **высма́ливать**) *что* смолаламоқ, смола (қатрон) суртмоқ (сингдирмоқ); ~ **ло́дку** қайиқни смолалаламоқ.

ВЫСМОЛИТЬСЯ *сов. (несов.* **высма́ливаться**) *разг.* смолаланмоқ; смолага (қатронга) беланмоқ.

ВЫСМОРКАТЬ *сов.*: ~ **нос** *то же, что* **высморкаться**.

ВЫСМОРКАТЬСЯ *сов. разг.* бурун қоқмоқ, бурунни қоқиб ташламоқ.

ВЫСМОТРЕТЬ *сов. (несов.* **высма́тривать**) 1 *кого-что* диққат билан қараб топмоқ, билиб олмоқ; кўз тагига олиб (танлаб) қўймоқ; ~ **в толпе́ знако́мого** диққат билан қараб тўдадан танишни топмоқ; ~ **удо́бное ме́сто для укры́тия** бекиниш учун қулай жойни кўз тагига олиб қўймоқ; 2 *что* ҳаммасини кўздан кечирмоқ, кўриб чиқмоқ; ~ **все подро́бности** ҳамма ишкир-чикирларигача кўздан кечирмоқ; ✦ ~ **глаза́** *прост.* тикилавериб кўзи чарчамоқ.

ВЫСОВЫВАТЬ *несов. см.* **высунуть**.

ВЫСОВЫВАТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **высунуться**; 2 *страд. от* **высо́вывать**.

ВЫСОК/ИЙ, **-ая**, **-ое**; **вы́ше**, **вы́сший** и **высоча́йший** 1 баланд, дароз, новча; **челове́к** ~**ого ро́ста** бўйи баланд (баланд бўйли) киши; дароз (бўйдор) одам; ~**ая трава́** баланд ўт; 2 баланд кўтарилган, баландда жойлашган, юксак, баланд; ~**ий потоло́к** баланд шип; ~**ие го́ры** баланд (юксак) тоғлар; 3 одатдагидан юқори баланд; ~**ий прили́в** (сувнинг) одатдагидан юқори кўтарилиши; 4 юқори, баланд, катта; ~**ая производи́тельность труда́** юқори меҳнат унумдорлиги; ~**ие це́ны** юқори (баланд) нархлар; ~**ая температу́ра** юқори (баланд) температура; ~**ие те́мпы** юқори (катта) суръатлар; ~**ий урожа́й** юқори ҳосил, мўл ҳосил; 5 юқори, юксак; яхши, аъло; ~**ая культу́ра** юксак маданият; ~**ая квалифика́ция** юқори малака; ~**ая оце́нка** юқори баҳо; **това́р** ~**ого ка́чества** юқори (аъло) сифатли мол; 6 **олий**, улуғ, мўътабар, жуда катта; ~**ая честь** олий (жуда катта) ҳурмат; ~**ое положе́ние** олий мартаба; жуда катта мавқе; ~**ое зва́ние** олий унвон; ~**ий гость** мўътабар (азиз) меҳмон; 7 чуқур маъноли, маънодор, ажойиб; юксак; ~**ие мы́сли** чуқур маъноли фикрлар; ажойиб фикрлар; ~**ая иде́йность** юксак ғоялилик; 8 дабдабали, ҳашаматли, юқори; ~**ий стиль** дабдабали услуб; юқори услуб; 9 ингичка, баланд; ~**ий го́лос** ингичка (баланд) овоз; ✦ ~**ая грудь** баланд кўкрак; ~**ий лоб** кенг пешана; **быть** ~**ого мне́ния** *о ком-чём* яхши фикрда бўлмоқ; ~**ие договáривающиеся сто́роны** *дипл.* мўътабар аҳдлашувчи томонлар; **пти́ца высо́кого поле́та** *см.* **полет**.

ВЫСОКО 1 *нареч.* баланд тутиб, юксакликда, баландда, баланд, юксак, юқори; **лета́ть** ~ баланд (баландликда) учмоқ; **жить** ~ **в гора́х** баланд тоғларда яшамоқ; ~ **держа́ть зна́мя социали́зма** социализм байроғини баланд кўтармоқ (тутмоқ); 2 *в знач. сказ.* баланд, узоқ; **до верши́ны горы́ ещё** ~ тоғнинг чўққиси ҳали баланд (узоқ).

ВЫСОКОБЛАГОРО́ДИЕ *с* жаноб олийлари (революциядан илгари: 8—6-даражали амалдорларга мурожаатда ишлатилган сўз).

ВЫСОКОВО́ЛЬТН/ЫЙ, **-ая**, **-ое** юқори вольтли; ~**ая ли́ния переда́чи** юқори вольтли узатиш линияси.

ВЫСОКОГО́РНЫ/Й, **-ая**, **-ое** баланд тоғли, баланд тоғларда жойлашган; баланд тоғ...; ~**е луга́** баланд тоғ ўтлоқлари.

ВЫСОКОДОХО́ДН/ЫЙ, **-ая**, **-ое** кўп даромад берадиган, катта даромад келтирадиган, сердаромад; ~**ое хозя́йство** сердаромад хўжалик.

ВЫСОКОИДЕ́ЙН/ЫЙ, **-ая**, **-ое** юксак ғояли; ғоявий юксак; ~**ое произведе́ние** юксак ғояли (ғоявий юксак) асар.

ВЫСОКОКАЛОРИ́ЙН/ЫЙ, **-ая**, **-ое** юқори калорияли; ~**ая пи́ща** юқори калорияли овқат.

ВЫСОКОКА́ЧЕСТВЕНН/ЫЙ, **-ая**, **-ое** юқори (аъло) сифатли; аъло сифат; ~**ая проду́кция** юқори сифатли маҳсулот.

ВЫСОКОКВАЛИФИЦИ́РОВАННЫЙ, **-ая**, **-ое** юқори квалификацияли, юқори малакали ишчилар.

ВЫСОКОКУЛЬТУ́РНЫЙ, **-ая**, **-ое** юқори (юксак) маданиятли.

ВЫСОКОМЕ́РИЕ *с* такаббурлик, манманлик, димоғдорлик, кибр-ҳаво; **относи́ться с** ~**м** манманлик билан қарамоқ, назар-писанд қилмаслик.

ВЫСОКОМЕ́РНО *нареч.* манманлик (кибр) билан, такаббурона, кеккайиб, менсимасдан.

ВЫСОКОМЕ́РН/ЫЙ, **-ая**, **-ое**; **-рен**, **-рна** такаббур, манман, кибр-ҳавоси баланд, калондимоғ, димоғдор, кеккайган; ~**ый челове́к** такаббур одам; мутакаббир; ~**ый вид** кеккайган қиёфа; ~**ое отноше́ние** менсимасдан қараш, менсимаслик.

ВЫСОКОМЕХАНИЗИ́РОВАНН/ЫЙ, **-ая**, **-ое** юқори даражада механизациялашган (механизациялаштирилган); ~**ое предприя́тие** юқори даражада механизациялаштирилган корхона.

ВЫСОКОНРА́ВСТВЕННЫЙ, **-ая**, **-ое** жуда ахлоқли, хушхулқ, хушахлоқ.

ВЫСОКООБРА́ЗОВАННЫЙ, **-ая**, **-ое** кўп ўқиган, ўқимишли, илмли, донишманд; ~ **челове́к** ўқимишли киши.

ВЫСОКООДАРЁННЫЙ, **-ая**, **-ое** зўр истеъдодли ёзувчи.

ВЫСОКООПЛАЧИВА́ЕМЫ/Й, **-ая**, **-ое** катта маошли, катта маош (ҳақ) тўланадиган; ~**й труд** катта ҳақ тўланадиган меҳнат; ~**е рабо́чие** катта ҳақ (кўп пул) оладиган ишчилар.

ВЫСОКОПА́РНО *нареч.* дабдаба билан, дабдабали (тамтароқли) қилиб, бежаб, олиб қочиб; баландпарвоз; **говори́ть** ~ дабдаба билан (тамтароқли қилиб) гапирмоқ; гапни бежамоқ, гапни олиб қочмоқ; баландпарвоз гап қилмоқ.

ВЫСОКОПА́РНОСТЬ *ж* дабдабалилик, тамтароқлилик, ортиқ фасоҳат.

ВЫСОКОПА́РНЫЙ, **-ая**, **-ое**; **-рен**, **-рна** дабдабали, тамтароқли; бежама, баландпарвоз; ~ **стиль** дабдабали услуб, бежама услуб.

ВЫСОКОСОПОСТА́ВЛЕНН/ЫЙ, **-ая**, **-ое** баланд мартабали, юқори мансабли, мартабаси улуғ; ~**ое ли́цо́** баланд мартабали (мартабаси улуғ) шахс.

ВЫСОКОПРЕВОСХОДИ́ТЕЛЬСТВО *с* саодатли, давлатли (революциядан илгариги: 1—2-даражали амалдорларга мурожаатда ишлатилган сўз).

ВЫСОКОПРО́БНЫЙ, **-ая**, **-ое**; **-бен**, **-бна** 1 пробаси баланд, тоза, асл (олтин, кумуш ҳақида); 2 *перен. разг.* аъло сифатли, аъло нав, энг яхши.

ВЫСОКОПРОДУКТИ́ВНЫЙ, **-ая**, **-ое**; **-вен**, **-вна** маҳсулдор, серҳосил; ~ **скот** маҳсулдор мол, гўштдор мол.

ВЫСОКОПРОИЗВОДИ́ТЕЛЬН/ЫЙ, **-ая**, **-ое**; **-лен**, **-льна** серунум, унумли, маҳсулдор; ~**ый труд** серунум меҳнат; ~**ый ме́тод** маҳсулдор метод; ~**ое обору́дование** унумли (кўп унум берадиган) асбоб-ускуна.

ВЫСОКОРА́ЗВИТ/ЫЙ, **-ая**, **-ое** кенг ривожланган, юқори даражада ривожланган; ~**ая промы́шленность** юқори даражада ривожланган саноат; ~**ые стра́ны** юқори даражада ривожланган мамлакатлар.

ВЫСОКОРО́ДИЕ *с* жаноб, ҳазрат (революциядан илгари: 5-даражали амалдорларга мурожаатда ишлатилган сўз).

ВЫСОКОСО́РТН/ЫЙ, **-ая**, **-ое** юқори навли, аъло (олий) нав(ли); ~**ые семена́** аъло нав уруғлик; ~**ая сталь** олий нав пўлат.

ВЫСОКОТАЛА́НТЛИВЫЙ, **-ая**, **-ое** жуда (зўр) талантли, катта талантли; ~ **писа́тель** зўр (жуда) талантли ёзувчи.

ВЫСОКОТОВА́РН/ЫЙ, **-ая**, **-ое** кўп товар маҳсулоти берадиган, маҳсулдор; ~**ое хозя́йство** кўп товар маҳсулоти берадиган хўжалик; маҳсулдор хўжалик.

ВЫСОКОУВАЖА́ЕМЫЙ, **-ая**, **-ое** кўп ҳурматли, азиз, муҳтарам.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ВЫСОКОУДОЙН/ЫЙ, -ая, -ое серсут, кўп сут берадиган; **~ая коро́ва** серсут сигир.

ВЫСОКОУРОЖА́ЙНЫ/Й, -ая, -ое юқори ҳосилли, серҳосил; **~е сорта́ пшени́цы** буғдойнинг серҳосил навлари.

ВЫСОКОХУДО́ЖЕСТВЕННЫЙ, -ая, -ое бадиий жиҳатдан юксак, бадиий юксак.

ВЫСОКОЧАСТО́ТН/ЫЙ, -ая, -ое 1 *эл.* юқори частотали; **~ый ток** юқори частотали ток; **~ая установка** юқори частотали қурилма; 2 *лингв.* кўп ишлатиладиган; **~ое сло́во** кўп ишлатиладиган сўз.

ВЫСОКОШИРО́ТН/ЫЙ, -ая, -ое юқори кенгликлардаги; **~ая экспеди́ция** юқори кенгликлардаги экспедиция.

ВЫСОКОЭФФЕКТИ́ВНЫЙ, -ая, -ое яхши таъсир қиладиган, жуда ҳам фойдали.

ВЫСОСА́ТЬ *сов.* (*несов.* **высо́сывать**) *что* 1 сўриб олмоқ; эмиб (шимиб) олмоқ; **~ сок из апельси́на** апельсин шарбатини сўриб олмоқ; 2 *перен.* алдаб (ёки зўрлаб) қўлга киритмоқ, мутамоқ; ✦ **~ все со́ки** (или **кровь**) *из кого-чего* сиқиб сувини ичмоқ, ҳолдан кетказмоқ, тинкасини қуритмоқ; **~ из па́льца** *что* ҳаводан олиб гапирмоқ, тўқиб чиқармоқ.

ВЫСОТА́ *ж, мн.* **высо́ты** 1 баландлик; **~ до́ма** уйнинг баландлиги; **~ полёта** учиш баландлиги; **~ над у́ровнем мо́ря** денгиз сатҳидан баландлиги; **на высоте́ ты́сяча ме́тров** минг метр баландликда; **высото́й в сто ме́тров** баландлиги юз метр; 2 даража, кенглик, катталик, кўлам; **~ давле́ния** босимнинг катталиги (баландлиги); **~ зна́ний** билим даражаси, билимнинг кенглиги; 3 баландлик, ингичка-йўғонлик; **~ го́лоса** товушнинг баландлиги (ингичка-йўғонлиги); 4 *мат.* баландлик; **~ треуго́льника** уч бурчакнинг баландлиги; 5 осмон, фалак, кўк; юқори, юксаклик; **смотре́ть в высоту́** осмонга (юқорига) қарамоқ; 6 тепалик, тепа; **заня́ть высоту́** тепаликни эгалламоқ; ✦ **кома́ндная ~** *см.* **кома́ндный; быть на высоте́** (положе́ния, тре́бований и т. п.) талаб даражасида бўлмоқ; ўз мавқеига (даражасига, мартабасига) лойиқ иш тутмоқ.

ВЫСО́ТКА *ж, р. мн.* **-ток** баландлик.

ВЫСО́ТНИК *м* 1 баланд иморатлар (иншоотлар) қурувчи; 2 баландга (баландда) учадиган учувчи.

ВЫСО́ТНЫ/Й, -ая, -ое 1 баланд; осмонўпар; **~е зда́ния** баланд уйлар; осмонўпар иморатлар; 2 баландда учишга оид; шу мақсадга мосланган; баландда учадиган; **~й полёт** баландда учиш; **~е самолёты** баландда учишга мосланган (баландда учадиган) самолётлар.

ВЫСОТОМЕ́Р *м* баландликни ўлчайдиган асбоб; баландлик ўлчагич.

ВЫСОХ/НУТЬ, -ну, -нешь; -сох, -ла *сов.* (*несов.* **высыха́ть**) 1 қуримоқ, сергимоқ; суви қочмоқ; **река́ ~ла** дарё қуриб қолди; **бельё ~ло** кир қуриди; 2 қовжирамоқ, сўлимоқ, қуримоқ, қуриб қолмоқ, қақраб кетмоқ; **я́блоня ~ла** олма (дарахти) қуриб қолди; 3 озмоқ, ориқламоқ; (озиб-тўзиб) чўп-устихон бўлиб кетмоқ; **~ нуть от боле́зни** дард тортиб ориқлаб кетмоқ.

ВЫСО́ЧАЙШ/ИЙ, -ая, -ее 1 *см.* **высо́кий**; 2 подшоҳ ҳазратларига, императорига оид; подшоҳ ҳазратлари...; император...; **~ее повеле́ние** подшоҳ ҳазратларининг фармони (чор Россиясида).

ВЫСОЧЕ́ННЫЙ, -ая, -ое *прост.* жуда баланд, ниҳоятда баланд, дароз.

ВЫСО́ЧЕСТВО *с* олий ҳазрат (подшоҳ хонадони аъзоларига мурожаатда ишлатилган сўз); **ва́ше ~** олий ҳазратлари.

ВЫСПА́ТЬСЯ, -плюсь, -пишься *сов.* (*несов.* **высыпа́ться** II) мириқиб (тўйиб) ухламоқ, уйқуга тўймоқ.

ВЫСПЕВА́НИЕ *с по гл.* **выспева́ть**; **~ плодо́в** мевалар-нинг етилиб пишиши (пишиб етилиши).

ВЫСПЕВА́ТЬ *несов. см.* **вы́спеть.**

ВЫСПЕ́ТЬ, -пеет *сов.* (*несов.* **выспева́ть**) пишиб етилмоқ, етилиб пишмоқ; **к о́сени все фру́кты успе́ли ~** кузга бориб ҳамма мевалар пишиб етилди.

ВЫСПРА́ШИВАТЬ *несов. см.* **вы́спросить.**

ВЫСПРЕ́ННИЙ, -яя, -ее *ирон.* дабдабали, тамтароқли; **~ее выраже́ние** дабдабали гап, тамтароқли ибора.

ВЫСПРО́СИТЬ, -ошу, -осишь *сов.* (*несов.* **выспра́шивать**) *что разг.* сўраб (суриштириб) билмоқ; сўраб-сўраб билиб олмоқ; **~ все но́вости** ҳамма янгиликларни сўраб билиб олмоқ.

ВЫСТА́ВИТЬ, -влю, -вишь *сов.* (*несов.* **выставля́ть**) 1 *что* кўчириб олмоқ, чиқариб қўймоқ; **~ ра́мы** ромларни чиқариб олмоқ; 2 *кого-что* олиб чиқмоқ; олиб чиқиб (чиқариб) қўймоқ; **~ цветы́ на во́здух** гулларни ҳавога олиб чиқмоқ; **~ шкаф в комидо́р** шкафни коридорга олиб чиқиб (чиқариб) қўймоқ; 3 *перен. кого прост.* чиқариб юбормоқ; ҳайдаб чиқармоқ; **~ непро́шенного го́стя из ко́мнаты** чақирилмаган меҳмонни уйдан чиқариб юбормоқ; 4 *что* олдинга чиқармоқ; **~ грудь** кўкрагини олдинга чиқармоқ; 5 *кого-что* таклиф қилмоқ, кўрсатмоқ, қўймоқ; майдонга ташламоқ; **~ кандидату́ру** кандидатура кўрсатмоқ; номзодини таклиф қилмоқ; **~ тре́бования** талаблар қўймоқ; 6 *кого-что* юбормоқ, қўймоқ; **~ охра́ну** қоровул қўймоқ; 7 *кого-что* кўрсатиш учун қўймоқ, кўз-кўз (рўкач) қилмоқ; **~ карти́ну** суратни кўргазмага қўймоқ; **~ това́р в витри́не** молни витринага қўймоқ; 8 *кого-что разг.* кўрсатмоқ, тасвирламоқ; **~ в дурно́м све́те** ёмон қилиб кўрсатмоқ; 9 *что* қўймоқ, ёзиб қўймоқ; **~ да́ту** сана қўймоқ, ой ва кунни ёзиб қўймоқ; **~ отме́тки** белги (ёки баҳо) қўймоқ; 10 *что* келтирмоқ, кўрсатмоқ; **~ ве́ский аргуме́нт** асосли далил келтирмоқ.

ВЫСТА́ВИТЬСЯ, -влюсь, -вишься *сов.* (*несов.* **выставля́ться**) *разг.* чиқиб турмоқ, кўринмоқ; чиқармоқ; **~ из окна́** ойнадан боши (гавдаси ва ҳ. к.) чиқиб турмоқ, ойнадан бошини чиқармоқ.

ВЫСТА́ВКА *ж, р. мн.* **-вок** 1 *по гл.* **вы́ставить** 1, 7; 2 кўргазма, виставка; **сельскохозя́йственная ~** қишлоқ хўжалик кўргазмаси.

ВЫСТАВЛЯ́ТЬ *несов. см.* **вы́ставить.**

ВЫСТАВЛЯ́ТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **вы́ставиться**; 2 *страд. от* **выставля́ть.**

ВЫСТА́ВН/ОЙ, -а́я, -о́е чиқадиган, олинадиган, олиб қўйиладиган; **~ы́е ра́мы** олинадиган (олиб қўйиладиган) ромлар.

ВЫ́СТАВОЧНЫЙ, -ая, -ое кўргазмага оид; кўргазма...; виставка...; **~ павильо́н** кўргазма павильони; **~ зал** кўргазма зали.

ВЫСТАИВА́ТЬ *несов. см.* **вы́стоять.**

ВЫСТАИВА́ТЬСЯ, -ается *несов. см.* **вы́стояться.**

ВЫСТЕГА́ТЬ I *сов.* (*несов.* **выстёгивать** I) қавиб чиқмоқ, қавиб қўймоқ; **~ узо́ром оде́яло** кўрпага гул солиб қавимоқ, кўрпани гулқавиқ қилмоқ.

ВЫСТЕГА́ТЬ II *сов.* (*несов.* **выстёгивать** II) савалamоқ, урмоқ; **~ ремнём** камар билан саваламоқ.

ВЫСТЁГИВАТЬ I *несов. см.* **вы́стегать** I.

ВЫСТЁГИВАТЬ II *несов. см.* **вы́стегать** II.

ВЫСТЕЛИ́ТЬ *сов. что прост. то же, что* **вы́стлать.**

ВЫСТИЛА́ТЬ *несов. см.* **вы́стлать** и **вы́стелить.**

ВЫСТИ́РАТЬ *сов. что* ювмоқ, ювиб қўймоқ; ювиб бўлмоқ; **~ бельё** кир ювмоқ; кирларни ювиб қўймоқ.

ВЫСТЛА́ТЬ, -телю, -телишь *сов.* (*несов.* **выстила́ть**) *что* тўшамоқ, солмоқ, қопламоқ, ёткизмоқ; **~ пол ковра́ми** полга гилам тўшамоқ; **~ пли́тами** плита билан қопламоқ, плита ётқизмоқ.

ВЫСТОЯ́ТЬ *сов.* (*несов.* **выста́ивать**) 1 маълум вақт (ёки охиригача) турмоқ, оёқ устида ўтказмоқ; **~ о́чередь за биле́том** билет олгунча навбатда турмоқ; **~ весь спекта́кль на нога́х** спектакль охиригача тикка (оёқ устида) турмоқ; 2 чидаб турмоқ, туриш бермоқ, бардош қилмоқ; туриб бермоқ; **э́тот дом вы́стоит ещё до́лго** бу уй ҳали узоқ туради (жуда кўп чидайди); **~ про́тив врага́** душманга қарши туриш бермоқ, матонат билан душманга қарши турмоқ.

ВЫСТОЯ́/ТЬСЯ, -оится *сов.* (*несов.* **выста́иваться**) 1 туриб етилмоқ; туриб қиёмига етмоқ; **вино́ ~лось** вино туриб етилди (қиёмига етди); 2 туриб дам олмоқ, совимоқ, тиниқмоқ (от ҳақида); **дать ло́шади ~ться** отга дам бермоқ.

ВЫСТРАГИВАТЬ *несов. см.* **вы́строгать.**

ВЫСТРАДАТЬ *сов. что* 1 қийинчиликларни бошдан кечирмоқ, қийналмоқ, машаққат чекмоқ, азият тортмоқ; **мно́го ~ в жи́зни** ҳаётда кўп машаққат чекмоқ; 2 машаққат билан топмоқ (эришмоқ, қўлга киритмоқ); **~ своё сча́стье** ўз бахтини машаққат билан топмоқ.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ВЫСТРА́ИВАТЬ *несов. см.* **вы́строить.**

ВЫСТРА́ИВА/ТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **вы́строиться**; 2 *страд. от* **выстра́ивать.**

ВЫСТРА́ЧИВАТЬ *несов. см.* **вы́строчить.**

ВЫ́СТРЕЛ *м* 1 ўқ узиш, отиш; **ружёйный** ~ милтиқдан ўқ узиш; милтиқ отиш; **оруди́йный** ~ замбаракдан ўқ отиш; **произвести́** ~ ўқ отмоқ; 2 отилган ўқ овози; **раздала́сь** ~ ўқ отилди, ўқ овози эшитилди; ✦ **без** ~**а** (взять, сдать) қаршиликсиз, қаршилик кўрсатмай (олмоқ, топширмоқ); **на** ~ ўқ етқудек масофада (масофага); **подпусти́ть на** ~ ўқ етгудек масофага (жуда яқин келишга) имкон бермоқ.

ВЫСТРЕЛИТЬ *сов.* отмоқ, ўқ узмоқ; ~ **в во́здух** ҳавога ўқ узмоқ.

ВЫСТРЕЛЯТЬ *сов. что разг.* 1 отиб битирмоқ, тамом қилмоқ (ўқларни); ~ **все патро́ны** ҳамма патронларни отиб тамом қилмоқ; 2 овлаб йўқ (тамом) қилмоқ; ~ **всю дичь** ҳамма илвасинни отиб тамом қилмоқ.

ВЫСТРИГА́ТЬ *несов. см.* **вы́стричь.**

ВЫ́СТРИЧЬ, -игу, -ижешь *сов. (несов.* **выстрига́ть**) *что* 1 олмоқ, қирқмоқ; олиб (қирқиб) ташламоқ (соч, юнг ҳақида); ~ **во́лосы** сочини олмоқ; ~ **овцу́** қўйнинг юнгини олмоқ (қирқмоқ); 2 *разг.* қайчи билан олмоқ.

ВЫСТРОГА́ТЬ *сов. (несов.* **выстра́гивать**) *что* рандаламоқ, рандалаб текисламоқ, силлиқламоқ; рандалаб ясамоқ.

ВЫСТРО́ИТЬ *сов. (несов.* **выстра́ивать**) 1 *что* қурмоқ, кўтармоқ, бино (барпо) қилмоқ; ~ **дом** уй қурмоқ; 2 *когочто* сарфламоқ, тизмоқ, қатор қилмоқ, сафга тортмоқ; ~ **полк** полкни сафламоқ; ~ **в одну́ шере́нгу** бир қатор қилмоқ, бир қатор сафга тортмоқ.

ВЫСТРО́ИТЬСЯ *сов. (несов.* **выстра́иваться**) 1 сафланмоқ, қатор (саф) бўлмоқ, сафга турмоқ, саф тортмоқ; ~ **в ряд** саф бўлмоқ, сафга тизилмоқ; 2 қурилмоқ, бино (барпо) бўлмоқ; қад кўтармоқ; **вы́строились но́вые заво́ды** янги заводлар қурилди (қад кўтарди); 3 *прост.* қурилишдан қутулмоқ, қурилишни битказмоқ.

ВЫСТРО́ЧИТЬ *сов. (несов.* **выстра́чивать**) *что* чоклаб чиқмоқ, тикиб чиқмоқ; ~ **воротни́к** ёқани тикиб чиқмоқ.

ВЫСТРУГА́ТЬ *сов. (несов.* **выстру́гивать**) *разг. то же, что* **вы́строгать.**

ВЫСТРУ́ГИВАТЬ *несов. см.* **вы́стругать.**

ВЫСТУДИ́ТЬ, -ужу, -удишь *сов. (несов.* **выстужа́ть**) *что* совитмоқ; ~ **ко́мнату** уйни (хонани) совитмоқ.

ВЫСТУДИ́ТЬСЯ, -ится *сов. (несов.* **выстужа́ться**) совимоқ; **ко́мната** ~**лась** хона совиди.

ВЫСТУ́ЖИВАТЬ *несов. см.* **вы́студить.**

ВЫСТУ́ЖИВАТЬСЯ, -ается *несов.* 1 *см.* **вы́студиться**; 2 *страд. от* **выстужа́ть.**

ВЫСТУКА́ТЬ *сов. (несов.* **выстуки́вать**) 1 тақиллатиб (чертиб ва ҳ. к.) бирор хабар бермоқ (ёки бирор нарса чиқармоқ, ифодаламоқ); 2 тақиллатиб (машинкада, телеграф аппаратида босиб) ёзмоқ, узатмоқ; 3 болғача (ёки бармоқлар) билан уриб эшитиб кўрмоқ, текширмоқ.

ВЫСТУКИВАТЬ *несов. разг. см.* **вы́стукать**; ~ **на бу́бне наро́дные ри́тмы** доирада халқ ритм-усулларини чертмоқ.

ВЫ́СТУП *м* туртиб чиққан жой; чиқиқ, бўртиқ, дўнг; тумшуқ; ~ **стены́** деворнинг туртиб чиққан жойи; ~ **скалы́** қоянинг туртиб чиққан жойи.

ВЫСТУПА́/ТЬ *несов.* 1 *см.* **вы́ступить**; 2 туртиб чиқмоқ, туртиб (дўппайиб) чиқиб турмоқ; **мыс** ~**ет далеко́ в мо́ре** бурун денгизга анча ичкари туртиб чиққан (кирган); ~**ющие ску́лы** туртиб чиққан яноқлар; 3 виқор (савлат) билан юрмоқ; керилиб юрмоқ, ғоз юриш қилмоқ.

ВЫСТУПИ́/ТЬ, -плю, -пишь *сов. (несов.* **выступа́ть**) 1 олға (олдинга) чиқмоқ, олға қадам босмоқ; **из стро́я** ~**ли добровóльцы** кўнгиллилар сафдан олға чиқдилар; 2 *перен.* яққол (равшан, ажралиб) кўринмоқ; 3 йўлга чиқмоқ (тушмоқ, жўнамоқ, йўл олмоқ; ~**ть в похо́д** походга йўл олмоқ (жўнамоқ); 4 тошмоқ, қирғоқлардан ошмоқ (сув, дарё ҳақида); **река́** ~**ла из берего́в** дарё қирғоқлардан тошиб чиқди; 5 кўринмоқ, пайдо бўлмоқ; чиқмоқ; тошмоқ, югурмоқ; **пот** ~**л на лбу** пешанасида тер кўринди; **слёзы** ~**ли на глаза́х** кўзларида ёш кўринди; ~**ла сыпь** баданига доначалар тошди; 6 кўпчилик олдида чиқиб гапирмоқ, нутқ сўзламоқ; ~**ть на собра́нии** мажлисда (чиқиб) сўзламоқ; мажлисда сўзга чиқмоқ; ~**ть с ле́кцией** лекция ўқимоқ; ~**ть с ре́чью** нутқ сўзламоқ; ~**ть по ра́дио** радиода (радио орқали) сўзламоқ; 7 иштирок этмоқ, чиқмоқ; ~**ть на конце́рте** иштирок этмоқ, концертда чиқмоқ; ~**ть с конце́ртом** концерт бермоқ; ~**ть в гла́вной ро́ли** бош ролда чиқмоқ, бош ролни ўйнамоқ; 8 ошкора гапирмоқ, гапириб чиқмоқ, фикр билдирмоқ; ~**ть про́тив ло́дырей** дангасаларга қарши гапириб чиқмоқ; ~**ть с проте́стом** норозилик билдирмоқ.

ВЫСТУПЛЕ́НИ/Е *с* 1 *по гл.* **вы́ступить** — **выступа́ть** 3, 6—8; **прика́з о** ~**и в похо́д** походга чиқиш ҳақида буйруқ; ~**е арти́стов** артистларнинг чиқишлари; ~**е в пе́чати** матбуотда чиқиш; 2 чиқиш (нутқ, гап, баёнот ва ҳ. к.); **содержа́тельное** ~**е** мазмунли чиқиш.

ВЫСТЫВА́ТЬ, -ает *несов. см.* **вы́стыть.**

ВЫ́СТЫ/ТЬ, -ынет *сов. (несов.* **выстыва́ть**) *разг.* совимоқ, музлаб кетмоқ; **ко́мната** ~**ла** хона музлади, хона совиб кетди.

ВЫСУДИ́ТЬ, -ужу, -удишь *сов. (несов.* **высу́живать**) *разг.* судлашиб олмоқ, қўлга киргизмоқ; ~ **дом** судлашиб уйни олмоқ.

ВЫСУ́ЖИВАТЬ *несов. см.* **вы́судить.**

ВЫСУН/УТЬ *сов.* (*несов.* **высо́вывать**) *что* чиқармоқ, чиқазмоқ; ~**уть го́лову из окна́** деразадан бошини чиқармоқ; ✦ ~ **ув (~я) язы́к** (бежа́ть) *прост.* тилини осилтириб югурмоқ.

ВЫСУНУ́ТЬСЯ *сов. (несов.* **высо́вываться**) чиқиб қолмоқ, чиқиб (кўриниб) турмоқ; ~ **из окна́** деразадан чиқиб турмоқ; деразадан бошини чиқармоқ.

ВЫСУ́ШИВАТЬ *несов. см.* **вы́сушить.**

ВЫСУ́ШИВАТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **вы́сушиться**; 2 *страд. от* **высу́шивать.**

ВЫ́СУШИ/ТЬ *сов. (несов.* **высу́шивать**) 1 *что* қуритмоқ, қоқ қуритмоқ; ~**ть бельё** кирни қуритмоқ; 2 *что* қуритмоқ; тўхтатмоқ (кўз ёшини, терни); ~**ть слёзы** кўз ёшини тўхтатмоқ; 3 *что* қуритиб юбормоқ, қовжиратмоқ, қақратмоқ; **Уже́ бо́льше ме́сяца как не́ было дождя́. Всё вокру́г бы́ло пережжено́ и вы́сушено** (Фадеев) Ёмғир ёғмаганига бир ойдан ошди. Атрофдаги ҳамма нарса куйиб, қақраб кетган; 4 *перен. кого разг.* оздирмоқ, ориқлатиб юбормоқ; **боле́знь** ~**ла ма́льчика** касаллик болани жуда оздириб юборди (юборган); 5 *уст.* и *нар.-поэт.* охиригача (тагигача) ичмоқ, оқ урмоқ.

ВЫСУШИ/ТЬСЯ *сов. (несов.* **высу́шиваться**) қуримоқ, қоқ қуримоқ; **бельё** ~**лось** кир қуриди.

ВЫСЧИТА́ТЬ *сов. (несов.* **высчи́тывать**) *что* 1 ҳисобламоқ, санамоқ; ҳисоблаб чиқармоқ (топмоқ, аниқламоқ); ~ **су́мму расхо́дов** харажатларни ҳисобламоқ; 2 ушламоқ, чегирмоқ; ушлаб (чегириб) қолмоқ; ~ **из зарпла́ты де́сять рубле́й** маошдан ўн сўм ушлаб (чегириб) қолмоқ.

ВЫСЧИ́ТЫВАТЬ *несов.* 1 *см.* **вы́считать**; 2 *уст.* санаб (бирма-бир айтиб) чиқмоқ, ҳисоблаб чиқмоқ.

ВЫСШ/ИЙ, -ая, -ее 1 *см.* **высо́кий** 6, 7; 2 олий, бош, энг юқори; ~**ий о́рган госуда́рственной вла́сти** давлат ҳокимиятининг энг юқори органи; ~**ее кома́ндование** олий қўмондонлик; ~**ая суде́бная инста́нция** олий суд инстанцияси; 3 юқори, олий; ~**ее уче́бное заведе́ние** олий ўқув юрти; ~**ее образова́ние** олий маълумот; 4 *спец.* олий; ~**ая матема́тика** олий математика; ~**ие млекопита́ющие** олий сут эмизувчилар; ✦ **в** ~**ей сте́пени** ниҳоят даражада; ~**ая ме́ра наказа́ния** олий жазо (ўлим жазоси).

ВЫСЫЛА́ТЬ *несов. см.* **вы́слать.**

ВЫ́СЫЛКА *ж по гл.* **вы́слать** — **высыла́ть** 1, 3; ~ **посы́лки** посилка юбориш; посилкани жўнатиш; ~ **из го́рода** шаҳардан чиқариб юбориш.

ВЫСЫПА́/ТЬ, -плю, -плешь *сов. (несов.* **высыпа́ть**) 1 *что* тўкмоқ, солмоқ, бўшатмоқ; ~**ть я́годы из корзи́ны** саватдаги меваларни тўкмоқ; ~**ть муку́ в мешо́к** унни қопга солмоқ; 2 *разг.* галалашиб (тўдалашиб, гала-гала бўлиб, ёғилиб) чиқмоқ, ёйилмоқ; **на у́лицу** ~**л наро́д** кўчага халқ ёғилиб чиқди; 3 дувуллаб тошмоқ (чиқмоқ); чамандай очилмоқ (чиқмоқ); **на груди́** ~**ла сыпь** кўкрагига дувуллаб тошма чиқибди; **с наступле́нием темноты́** ~**ли звёзды** қоронғи тушиши билан юлдузлар чамандай очилди (чарақлаб чиқди).

www.ziyouz.com kutubxonasi

ВЫСЫПАТЬ *несов. см.* **высыпать.**

ВЫСЫПА/ТЬСЯ, -плется *сов.* (*несов.* **высыпа́ться** 1) 1 тўкилмоқ, сочилмоқ; тўкилиб (сочилиб) кетмоқ; тўкилиб тушмоқ; **замáзка ~лась** замазка тўкилиб тушди; **я́блоки ~лись из мешкá** олмалар қопдан тўкилиб кетди; 2 *разг. то же, что* **высыпать** 2.

ВЫСЫПА́ТЬСЯ I, -а́ется *несов.* 1 *см.* **высыпаться;** 2 *страд. от* **высыпа́ть.**

ВЫСЫПА́ТЬСЯ II *несов. см.* **высыпаться.**

ВЫСЫПКА *ж* 1 *разг. по гл.* **высыпать — высыпа́ть** 1; 2 *охот.* галалаб пайдо бўлиш, гала-гала келиш (қушлар ҳақида); **~ вальдшне́пов** ўрмон лойхўрагининг галалашиб келиши.

ВЫСЫХА́ТЬ *несов. см.* **высохнуть.**

ВЫС/Ь 1 баланд осмон, фалак, кўк; **го́луби поднялúсь под сáмую ~ь поднебе́сную** каптарлар осмони фалакка кўтарилди; 2 *мн.* **~и** чўққи (тоғ чўққилари); **го́рные ~и** тоғ чўққилари.

ВЫТА́ИВАТЬ *несов. см.* **вы́таять.**

ВЫТА́ЛКИВАТЬ *несов. см.* **вы́толкать** и **вы́толкнуть.**

ВЫТАНЦЕВАТЬСЯ, -цуется *сов. см.* **вытанцо́вываться.**

ВЫТАНЦО́ВЫВАТЬ *несов. что* қоидаси билан (муқом қилиб) ўйнамоқ; **~ казачка́** казачок рақсини қоидаси билан ўйнамоқ.

ВЫТАНЦОВЫВА/ТЬСЯ, -ается *несов. (сов.* **вы́танцевáться**) *разг.* жўнашмоқ, ўнгмоқ, ўнгидан келмоқ; чиқмоқ; **де́ло не ~ется** иш жўнашмаётир (ўнгидан келмаётир); иш чиқмаяпти.

ВЫТА́ПЛИВАТЬ I *несов. см.* **вы́топить** I.

ВЫТА́ПЛИВАТЬ II *несов. см.* **вы́топить** II.

ВЫТА́ПЛИВАТЬСЯ I, -ается *несов.* 1 *см.* **вы́топиться** I; 2 *страд. от* **выта́пливать** I.

ВЫТА́ПЛИВАТЬСЯ II, -ается *несов.* 1 *см.* **вы́топиться** II; 2 *страд. от* **выта́пливать** II.

ВЫТА́ПТЫВАТЬ *несов. см.* **вы́топтать.**

ВЫТАРА́ЩИВАТЬ *несов. см.* **вы́таращить.**

ВЫТАРАЩИТЬ *сов.* (*несов.* **вытара́щивать**) *что разг.* чақчайтирмоқ, бақрайтирмоқ, олайтирмоқ; **~ глаза́** кўзни чақчайтирмоқ; дўлаймоқ, ўқраймоқ.

ВЫТАРАЩИ́ТЬСЯ *сов. разг.* бақрайиб қолмоқ, бақрайиб қарамоқ, дўлаймоқ, ўқраймоқ.

ВЫТАСКА́ТЬ *сов.* (*несов.* **выта́скивать**) *что разг.* битта-битта олиб (ташиб) чиқмоқ; **~ все ве́щи** битта-битта ҳамма нарсани ташиб чиқмоқ.

ВЫТА́СКИВАТЬ *несов. см.* **вы́тащить** и **вы́таскать.**

ВЫТАТУИРОВАТЬ *сов. что* татуировка қилиб (чекиб) баданга расм туширмоқ.

ВЫТАЧА́ТЬ *сов.* (*несов.* **тача́ть**) *что* бахяламоқ, йўрмаламоқ, бахялаб тикмоқ; йўрмалаб қўймоқ; **~ пе́тли** тугма тешигини йўрмаламоқ.

ВЫТАЧИВАТЬ *несов. см.* **вы́точить.**

ВЫТАЧКА *ж, р. мн.* **-чек** витачка, запас чок (кийимини гавдага мослаб тўғрилаш учун ичига қайтариб тикилган запас чок); **~на ю́бке** юбкадаги запас чок.

ВЫТАЩИ́ТЬ *сов.* (*несов.* **выта́скивать**) 1 *кого-что* тортиб олиб чиқмоқ, судраб чиқмоқ; **~ мешки́ со скла́да** складдан қопларни судраб чиқмоқ; 2 *что* тортиб олмоқ, суғуриб (чиқариб) олмоқ; суғуриб ташламоқ; **~ гво́здь из стены́** девордан михни суғуриб олмоқ; **~ зано́зу** зирапчани чиқариб олмоқ (олиб ташламоқ); **~ зуб** тишни суғуриб олмоқ; 3 *перен. кого разг.* боришга (ёки чиқишга) рози қилмоқ, кўндирмоқ, унатмоқ; зўрлаб (қўярда-қўймай) олиб чиқмоқ; **~ това́рища в теа́тр** ўртоғини театрга боришга кўндирмоқ; 4 *что разг.* ўғирламоқ, ўғирлаб олиб қўймоқ; **~ кошелёк из карма́на** чўнтагидан ҳамёнини ўғирламоқ (олиб қўймоқ).

ВЫТАЩИ/ТЬСЯ *сов. разг.* чиқмоқ, чиқиб кетмоқ, суғурилиб чиқмоқ; **гвоздь с трудо́м ~лся** мих аранг чиқди (суғурилди).

ВЫТАЯ/ТЬ, -ает *сов.* (*несов.* **выта́ивать**) 1 эриб кетмоқ, эриб тамом бўлмоқ; **снег ~л** қор эриб кетди (эриб тамом бўлди); 2 қор эриб очилмоқ; **тропи́нка ~ла** қор эриб сўқмоқ очилди.

ВЫТВЕРДИТЬ, -ржу, -рдишь *сов. что разг.* такрорлай-такрорлай ўзлаштирмоқ, ёдлаб олмоқ; **~ за́данный уро́к** берилган дарсни такрорлай-такрорлай ўзлаштирмоқ (ёдлаб олмоқ).

ВЫТВОРИТЬ *сов. см.* **вытворя́ть.**

ВЫТВОРЯТЬ *несов.* (*сов.* **вы́творить**) *что разг.* бўлмағур ишлар (қилиқлар) қилмоқ; ҳунар (номер) кўрсатмоқ; **~ глу́пости** аҳмоқликлар (тентакликлар) қилмоқ.

ВЫТВОРЯ́ТЬСЯ *несов. разг.* 1 содир бўлмоқ, юз бермоқ; 2 *страд. от* **вытворя́ть.**

ВЫТЕКА́/ТЬ *несов.* 1 *см.* **вы́течь;** 2 оқиб чиқмоқ, бошланмоқ; **Нева́ ~ет из Ла́дожского о́зера** Нева дарёси Ладога кўлидан бошланади (оқиб чиқади); 3 *перен.* келиб чиқмоқ; оқибати (натижаси) бўлмоқ; **из ска́занного ~ет, что ...** айтилганлардан келиб чиқадики...

ВЫТЕРЕБИТЬ, -блю, -бишь *сов. что разг.* узмоқ, юлмоқ; **~ лён** зиғирпояни узмоқ.

ВЫТЕРЕТЬ, -тру, -трешь; вы́тер, -ла *сов.* (*несов.* **вытира́ть**) 1 *кого-что* артмоқ, артиб олмоқ, артиб қўймоқ, артиб тозаламоқ, артиб ташламоқ; **~ ру́ки** қўлни артмоқ, қўлни артиб олмоқ; **~ стол** столни артмоқ; столни артиб тозаламоқ; **~ слёзы** кўз ёшини артиб ташламоқ; **~ пыль** чангни артиб ташламоқ; 2 *что разг.* суртиб (ишқаб) едирмоқ; тақирини чиқармоқ, ишқайвериб тақир қилиб (ёки тешиб, йиртиб) юбормоқ; **~ ло́кти** тирсакларнинг тақирини чиқармоқ.

ВЫТЕРЕТЬСЯ, -трусь, -трешься; вы́терся, -лась *сов.* (*несов.* **вытира́ться**) 1 артинмоқ, юз-қўлини (баданини) артиб олмоқ; **~ полоте́нцем** сочиқ билан артинмоқ; 2 *разг.* ишқаланиб ейилмоқ, тўзмоқ, тақири (сийқаси) чиқмоқ; **ло́кти вы́терлись** тирсакларнинг тақири чиқиб кетибди, тирсаклар йиртилиб кетибди.

ВЫТЕРПЕ/ТЬ, -плю, -пишь *сов.* 1 *что* чидамоқ, кўтармоқ, бардош (чидам) бермоқ; **~ть боль** оғриққа чидамоқ; 2 *разг.* сабри чидаб турмоқ, ўзини тутмоқ (тиймоқ).

ВЫТЕРТЫ/Й, -ая, -ое 1 *прич. от* **вы́тереть;** 2 *в знач. прил. разг.* кўп кийилган, кийилавериб тўзган, тақири чиққан; **ста́рые ~е брю́ки** кийилавериб тақири чиққан шим.

ВЫТЕСАТЬ, -тешу, -тешешь *сов.* (*несов.* **вытёсывать**) *что* йўнмоқ, чопмоқ, йўниб (ёки чопиб) силлиқламоқ, ишламоқ; **~ топори́ще** йўниб болтага соп ишламоқ (қилмоқ).

ВЫТЕСНЕ́НИ/Е *с по гл.* **вы́теснить — вытесня́ть** 2; **~е одного́ вещества́ други́м** бир модданинг ўрнини бошқа модда эгаллаши; **реа́кция ~я** ўрин алмашиниш реакцияси.

ВЫТЕСНИ/ТЬ *сов.* (*несов.* **вытесня́ть**) 1 *кого-что* сиқиб (ситиб) чиқармоқ, суриб чиқармоқ; чиқариб юбормоқ; **~ть из о́череди** навбатдан сиқиб чиқармоқ (чиқариб юбормоқ); 2 сиқиб чиқариб, ўрнини эгалламоқ; **но́вая те́хника ~ла ста́рую** янги техника эскисини сиқиб чиқарди.

ВЫТЕСНЯ́ТЬ *несов. см.* **вы́теснить.**

ВЫТЁСЫВАТЬ *несов. см.* **вы́тесать.**

ВЫТЕЧЬ, -ечет, -екут; -ек, -ла *сов.* (*несов.* **вытека́ть**) оқиб битмоқ, оқиб тамом бўлмоқ; батамом оқиб кетмоқ (чиқмоқ); **вода́ вы́текла из бо́чки** бочкадаги сув батамом оқиб кетди (кетибди); бочкадаги сув оқиб тамом бўлди (бўлибди).

ВЫТИРА́ТЬ *несов. см.* **вы́тереть.**

ВЫТИРА́ТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **вы́тереться;** 2 *страд. от* **вытира́ть.**

ВЫТИСНИТЬ *сов.* (*несов.* **вытисня́ть**) *что* босмоқ, босиб (гул, нақш ва ҳ. к.) туширмоқ; **~ на́дпись** босиб хат (ёзув) туширмоқ.

ВЫТИСНИ́ТЬСЯ, -ится *сов.* (*несов.* **вытисня́ться**) босилиб ёзилмоқ, тушмоқ.

ВЫТИСНЯ́ТЬ *несов. см.* **вы́тиснить.**

ВЫТИСНЯ́ТЬСЯ, -я́ется *несов.* 1 *см.* **вы́тиснуться;** 2 *страд. от* **вытиснять.**

ВЫТКАТЬ *сов. что* 1 тўқимоқ, тўқиб тайёрламоқ (чиқармоқ); **~ добро́тные тка́ни** сифатли газмоллар тўқимоқ; 2 тўқиб (ёки тикиб) гул (нақш ва ҳ. к.) солмоқ, кашта тикмоқ; **~ узо́р на ска́терти** дастурхонга тўқима гул солмоқ, дастурхонга кашта тикмоқ.

ВЫТОЛКАТЬ *сов.* (*несов.* **выта́лкивать**) *кого-что* итариб (туртиб-туртиб) чиқармоқ; туртиб-суртиб чиқариб юбормоқ.

ВЫТОЛКНУТЬ *сов.* (*несов.* **выта́лкивать**) *кого-что* бир итариб (туртиб) чиқариб қўймоқ, чиқариб юбормоқ; **~**

www.ziyouz.com kutubxonasi

за дверь бир туртиб эшик ортига чиқариб қўймоқ; эшикнинг париги ёғига итариб юбормоқ.

ВЫТОПИТЬ I, -плю, -пишь *сов. (несов.* **вытáпливать** I) ёқмоқ, ёқиб иситмоқ, қизитмоқ; ~ **печь** печни ёқмоқ, печни ёқиб қизитмоқ; ~ **бáню** ҳаммомни ёқиб иситмоқ.

ВЫТОПИТЬ II, -плю, -пишь *сов. (несов.* **вытáпливать** II) эритиб олмоқ; ~ **сáло** ёғни эритиб олмоқ.

ВЫТОПИ/ТЬСЯ I, -ится *сов. (несов.* **вытáпливаться** I) *сов.* қизимоқ, исимоқ; **плитá ~лась** плита қизиди.

ВЫТОПИТЬСЯ II, -ится *сов. (несов.* **вытáпливаться** II) эримоқ, эриб тушмоқ.

ВЫТОПКА *ж разг.* эритиш; ~ **жúра** ёғ(ни) эритиш.

ВЫТОПКИ *мн.* эритилган нарса қуйқаси.

ВЫТОПТАТЬ, -пчу, -пчешь *сов. (несов.* **вытáптывать**) *что* 1 босиб (босиб-янчиб) ташламоқ, босиб пайҳон (поймол) қилмоқ; ~ **траву́** ўтни босиб ташламоқ; 2 босиб-босиб (ёки юраверіб) солмоқ, очмоқ, қилмоқ; ~ **в снегу́ тропи́нку** қорни босиб-босиб (қорда юраверіб) йўл очмоқ; 3 *прост.* босиб ифлос қилмоқ, из қилиб ташламоқ; ~ **пол** полни босиб ифлос қилмоқ, полни из қилиб ташламоқ.

ВЫТОРА́ЧИВАТЬ *несов. см.* **вы́торочить.**

ВЫТОРГОВАТЬ *сов. (несов.* **выторго́вывать**) *что* 1 савдодан топмоқ, орттирмоқ, туширмоқ; ~ **це́лое состоя́ние** савдодан катта бойлик (дунё) орттирмоқ; 2 *разг.* савдолашмоқ, қийишмоқ; талашиб-тортишиб арзонга олмоқ; ~ **два рубля́** талашиб-тортишиб икки сўм арзонига олмоқ; 3 *перен.* талашиб-тортишиб олмоқ, ундирмоқ, кўндирмоқ; ~ **два дня отгу́ла** талашиб-тортишиб икки кун отгул ундирмоқ (олмоқ).

ВЫТОРГО́ВЫВАТЬ *несов. см.* **вы́торговать.**

ВЫТОРОЧИТЬ *сов. (несов.* **вытáчивать**) *что* бўктаргидан бўшатмоқ, ечиб олмоқ.

ВЫТОЧИТЬ *сов. (несов.* **вытáчивать**) *что* 1 токарлик станогида йўнмоқ, йўниб ясамоқ, тайёрламоқ; ~ **детáль на станке́** станокда деталь йўнмоқ (детални йўниб ясамоқ); 2 *разг.* чархламоқ, қайрамоқ; ~ **ножи́** пичоқларни чархламоқ; 3 *разг.* емоқ, еб қўймоқ, кемириб (ўйиб) ташламоқ; **жуки́ вы́точили де́рево** ёғочни қурт еб қўйибди (ўйиб, кемириб ташлабди); ✦ **сло́вно (бу́дто, как) вы́точенный** худди йўниб ишлангандай, нозик, бежирим.

ВЫТОЧКА *ж* 1 *по гл.* **вы́точить**; 2 *прост.* дарахтнинг (ёғочнинг) қурт еган жойи.

ВЫТОШНИ/ТЬ, -нит *сов. кого* кўнгил айниб (ўқчиб) қайт қилмоқ, қусиб ташламоқ; **его́ ~ло** унинг кўнгли айниб қусиб юборди, у ўқчиб қайт қилиб ташлади.

ВЫТРАВИТЬ I, -влю, -вишь *сов. (несов.* **вытрáвливать** I и **вытравля́ть** I) 1 *что* тезобламоқ, тезоблаб тозаламоқ, химиявий йўл билан кетказмоқ; ~ **пятно́** доғни химиявий йўл билан кетказмоқ; 2 *перен. что прост.* таг-туги билан йўқ қилмоқ, бутунлай йўқотмоқ; қуритмоқ; ~ **из па́мяти** бутунлай унутмоқ; 3 *кого* заҳарлаб ўлдирмоқ, қирмоқ; ~ **мыше́й** сичқонларни заҳарлаб ўлдирмоқ (қирмоқ); 4 *что* ўювчи модда билан куйдириб нақш солмоқ, тушмоқ; ~ **рису́нок на ме́ди** мисда ўювчи модда билан расм ўймоқ; 5 *что* мол боқиб пайҳон (оёқ ости) қилмоқ; ~ **луг** ўтлоқни мол босиб пайҳон қилмоқ; 6 *кого охот.* ит қўйиб қувлаб чиқармоқ; ~ **медве́дя из берло́ги** айиқни ит қўйиб қувлаб чиқармоқ.

ВЫТРАВИТЬ II, влю, -вишь *сов. (несов.* **вытрáвливать** II и **вытравля́ть** II) *что мор.* секин-аста бўшатмоқ, ечмоқ; ~ **кана́т** кема арқонини (ёки якорь занжирини) секин-аста бўшатмоқ.

ВЫТРАВИ/ТЬСЯ I, -ится *сов. (несов.* **вытрáвливаться** I и **вытравля́ться** I) 1 тезобланмоқ, тезобда (ёки химиявий йўл билан) тозаланмоқ, тоза бўлмоқ, кетмоқ; **кра́ска ~лась** тезобда бўёғи кетди (тозаланди); 2 ўйилмоқ, тушмоқ (сурат, нақш ҳақида); **~лся орна́мент** орнамент ўйилди (тушди).

ВЫТРАВИТЬСЯ II, -ится *сов. (несов.* **вытрáвливаться** II и **вытравля́ться** II) *мор.* аста-секин бўшалмоқ.

ВЫТРАВЛЕ́НИЕ *с по гл.* **вы́травить** I — **вытравля́ть** I.

ВЫТРА́ВЛИВАНИЕ *с по гл.* **вытрáвливать** I.

ВЫТРА́ВЛИВАТЬ I *несов. см.* **вы́травить** I.

ВЫТРА́ВЛИВАТЬ II *несов. см.* **вы́травить** II.

ВЫТРАВЛИВАТЬСЯ I, -ается *несов.* 1 *см.* **вы́травиться** I; 2 *страд. от* **вытрáвливать** I.

ВЫТРАВЛИВАТЬСЯ II, -ается *несов.* 1 *см.* **вы́травиться** II; 2 *страд. от* **вытрáвливать** II.

ВЫТРАВЛЯ́ТЬ I *несов. см.* **вы́травить** I.

ВЫТРАВЛЯ́ТЬ II *несов. см.* **вы́травить** II.

ВЫТРАВЛЯ́ТЬСЯ I, -я́ется *несов.* 1 *см.* **вы́травиться** I; 2 *страд. от* **вытравля́ть** I.

ВЫТРАВЛЯ́ТЬСЯ II, -я́ется *несов.* 1 *см.* **вы́травиться** II; 2 *страд. от* **вытравля́ть** II.

ВЫТРА́ВНО/Й, -а́я, -о́е 1 тезоблашга оид, тезоблаш билан боғлиқ бўлган, тезобловчи; ~**е вещество́** тезобловчи модда; 2 тезоблаб (куйдириб, ўйиб) ясалган; ~**й рису́нок** тезоблаб (куйдириб, ўйиб) туширилган расм.

ВЫТРАЛИВАТЬ *несов. см.* **вы́тралить.**

ВЫТРАЛИТЬ *сов. (несов.* **вытра́ливать**) *что мор.* трал билан тутмоқ; ~ **ми́ну** минани трал билан тутмоқ.

ВЫТРАМБОВАТЬ *сов.* шиббалаб чиқмоқ, шиббалаб текисламоқ.

ВЫТРЕБОВАТЬ *сов.* 1 *что* талаб қилиб олмоқ; ~ **ну́жные докуме́нты** керакли ҳужжатларни талаб қилиб олмоқ; 2 *кого* чақиртириб олмоқ, чақиртириб келмоқ; ~ **свиде́теля в суд** гувоҳни судга чақиртириб келмоқ; 3 *кого прост.* чақириб (чақиртириб) олмоқ; ~ **сы́на со слу́жбы** ўғлини хизматдан чақиртириб олмоқ.

ВЫТРЕЗВИ́ТЕЛЬ *м* ҳушёрхона.

ВЫТРЕЗВИТЬ, -влю, -вишь *сов. (несов.* **вытрезвля́ть**) *кого* ҳушёр қилмоқ, кайфини тарқатмоқ, кайфини тарқатиб ҳушига келтирмоқ.

ВЫТРЕЗВИ́ТЬСЯ, -влюсь, -вишься *сов. (несов.* **вытрезвля́ться**) ҳушёр бўлмоқ, кайфи тарқалмоқ, кайфи тарқалиб ҳушига келмоқ.

ВЫТРЕЗВЛЕ́НИЕ *с по гл.* **вы́трезвить** и **вы́трезвиться.**

ВЫТРЕЗВЛЯ́ТЬ *несов. см.* **вы́трезвить.**

ВЫТРЕЗВЛЯ́ТЬСЯ *несов. см.* **вы́трезвиться.**

ВЫТРЕПАТЬ, -плю, -плешь *сов. что* 1 титиб (саваб) тозаламоқ; ~ **лён** зиғирпояни титиб тозаламоқ; 2 *разг.* адабини бермоқ; ~ **за́ уши** қулоғини чўзмоқ, қулоғидан чўзиб адабини бермоқ.

ВЫТРУСИТЬ, -ушу, -усишь *сов. что прост.* қоқмоқ, қоқиб ташламоқ, қоқиб-суқиб олмоқ; бўшатмоқ; ~ **муку́ из мешка́** қопдаги унни қоқиб-суқиб бўшатиб олмоқ.

ВЫТРЯСА́ТЬ *несов. см.* **вы́трясти.**

ВЫТРЯСА́ТЬСЯ, -а́ется *несов.* 1 *см.* **вы́трястись**; 2 *страд. от* **вытряса́ть.**

ВЫТРЯСТИ, -су, -сешь; -тряс, -ла *сов. (несов.* **вытряса́ть**) *что* 1 қоқиб (силкитиб) туширмоқ, қоқиб (силкитиб) тўкиб ташламоқ; ~ **муку́ из мешка́** қопдаги унни қоқиб ташламоқ; 2 қоқмоқ, қоқиб тозаламоқ, қоқиб тамомламоқ; ~ **ковры́** гиламларни қоқиб тозаламоқ; ~ **ска́терть** дастурхонни қоқиб ташламоқ; ✦ ~ **карма́н** *чей прост.* чўнтагини қоқмоқ, чўнтагидаги пулларни батамом қоқиб олмоқ, қоқиб олиб тамомламоқ; ~ **ду́шу** *прост.* 1) силкитиб (кўтариб ташлайвериб) роса қийнамоқ (ёмон йўл ёки шалоқ транспорт); 2) дўқ-пўписа, қўрқитув билан жонини олмоқ.

ВЫТРЯСТИСЬ, -сется *сов.* қоқилиб (силкитилиб) тушмоқ, тўкилмоқ, тоза бўлмоқ.

ВЫТРЯХА́ТЬ *несов. прост. см.* **вы́тряхнуть.**

ВЫТРЯХА́ТЬСЯ, -а́ется *несов. прост. см.* **вы́тряхнуться.**

ВЫТРЯХИВАТЬ *несов. см.* **вы́тряхнуть.**

ВЫТРЯХИВАТЬСЯ, -ается *несов.* 1 *см.* **вы́тряхнуться**; 2 *страд. от* **вытря́хивать.**

ВЫТРЯХНУ́ТЬ *сов. (несов.* **вытря́хивать** и **вытряха́ть**) *что* 1 қоқиб ташламоқ, қоқиб тозаламоқ; ~ **пе́пел из тру́бки** трубкадаги тамаки нинг қолдиқларини қоқиб тозаламоқ; 2 силкитмоқ, қоқмоқ; **силкитиб** (қоқиб) туширмоқ; 3 тушириб қўймоқ.

ВЫТРЯХНУ́ТЬСЯ, -нется *сов. (несов.* **вытря́хиваться** и **вытряха́ться**) *разг.* силкиниб (қоқилиб) тўкилмоқ.

ВЫТУ́РИВАТЬ *несов. см.* **вы́турить.**

ВЫТУРИТЬ *сов. (несов.* **вытýривать**) *кого-что прост.* ҳайдаб чиқармоқ, қувиб юбормоқ.

ВЫТЬ, во́ю, во́ешь *несов.* 1 увламоқ, увилламоқ; ~ **по-во́лчьи** бўрига ўхшаб увилламоқ; 2 гувилламоқ, гурилламоқ,

www.ziyouz.com kutubxonasi

ғувилламоқ; **в трубе́ во́ет ве́тер** трубада шамол ғувилламоқда; 3 *прост.* долламоқ, бўзламоқ, фарёд қилмоқ.

ВЫТЬЁ *с прост. по гл.* **выть**; ~ **соба́к** итларнинг увиллаши.

ВЫТЯГИВАТЬ *несов. см.* **вы́тянуть**.

ВЫТЯГИВАТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **вы́тянуться**; 2 *страд. от* **вытя́гивать**.

ВЫТЯЖЕ́НИЕ *с по гл.* **вы́тянуть** — **вытя́гивать** 1—3; ~ **про́волоки** симни чўзиш.

ВЫТЯЖКА *ж* 1 *по гл.* **вы́тянуть** — **вытя́гивать** 1, 4; ~ **га́за** газни сўриб олиш, газни тортиш; ~ **мета́лла** металлни чўзиш; 2 *то же, что* **экстра́кт**.

ВЫТЯЖН/О́Й, -а́я, -о́е 1 тортадиган, тортиб (сўриб) оладиган, тортувчи; тортиш...; ~**о́й шкаф** тортувчи (вентиляцияли) шкаф; ~**о́й кана́л** тортувчи канал, тортиш канали; ~**а́я тя́га** тортиш кучи, тортиш (печка, мўри ва ш. к. да); ~**о́й пла́стырь** йиринг тортадиган малҳам дори; 2 чўзилган, чўзиб ҳосил қилинган, тайёрланган.

ВЫ́ТЯНУТ/ЫЙ, -ая, -ое 1 *прич. от* **вы́тянуть**; 2 *в знач. прил.* узатилган, чўзилган; ~**ая рука́** узатилган қўл; чўзилган қўл; ✦ ~**ое лицо́** или ~**ая физионо́мия** бўшашган (чўзилган) чеҳра (ҳайратдан, умидсизликдан ва ҳ. к.).

ВЫ́ТЯНУТЬ *сов. (несов.* **вытя́гивать**) *что* 1 чўзмоқ, узайтирмоқ, ёймоқ; ~ **про́волоку** симни чўзмоқ (узайтирмоқ); ~ **ко́жу** терини чўзмоқ (ёймоқ); 2 чўзмоқ, узатмоқ, чиқармоқ; ~ **ру́ки** қўлини чўзмоқ (узатмоқ); 3 *разг.* суғуриб олмоқ, тортиб олмоқ; ~ **зуб** тишни суғуриб олмоқ; 4 тортмоқ, сўрмоқ; тортиб (сўриб) олмоқ, тортиб кетмоқ; ~ **дым** тутунни тортмоқ; тутунни тортиб кетмоқ; ~**гной пла́стырем** малҳам қўйиб фасодни (йирингни) тортиб олмоқ; 5 *разг.* чидамоқ; чидаш (туриш) бермоқ; кўтармоқ; **он до́лго не вы́тянет** у узоқ чидаш бера олмайди; 6 *прост.* бор бўйи қамчин солиб урмоқ; қамчиламоқ; 7 келмоқ, чиқмоқ; **арбу́з вы́тянул двена́дцать килогра́ммов** тарвуз ўн икки килограмм келди; 8 *перен. разг.* аранг олмоқ; зўрға ундирмоқ; ✦ ~ **(всю) ду́шу** жонини олмоқ, жонини кўзига кўрсатмоқ; ~ **но́ги** *прост.* оёқларини узатмоқ, вафот этмоқ.

ВЫТЯНУ/ТЬСЯ *сов. (несов.* **вытя́гиваться**) 1 чўзилмоқ, узаймоқ, чўзилиб кетмоқ; **матери́ал** ~**лся** газлама чўзилиб кетди; **рези́нка** ~**лась** резинка чўзилди; 2 *разг.* ўсмоқ, бўйи чўзилмоқ, бўйига тортмоқ; **за ле́то ма́льчик** ~**лся** ёз ичи бола бўйига тортибди; 3 чўзилиб (узала тушиб) ётмоқ; ~**ться на дива́не** диванда чўзилиб (узала тушиб) ётмоқ; 4 қаддини ростламоқ, қаддини ростлаб (тик) турмоқ; **стоя́ть** ~**вшись** қаддини ростлаб (тик) турмоқ; 5 чўзилмоқ; чўзилиб кетмоқ, турнакатор бўлиб жойлашмоқ; **полк** ~**лся в дли́нную коло́нну** полк узундан-узоқ колонна ҳосил қилиб чўзилди; ✦ **лицо́** ~**лось** или **физионо́мия** ~**лась** *у кого* башараси чўзилди (ҳайратдан, умидсизликдан ва ҳ. к.).

ВЫУ́ДИТЬ, -ужу, -удишь *сов. (несов.* **выу́живать**) *кого-что* 1 қармоқ билан тутмоқ, овламоқ, қармоққа илинтирмоқ; ~ **щу́ку** қармоқ билан чўрган балиқ тутмоқ; 2 *перен. разг.* согиб олмоқ, қўлга киритмоқ; ўлжа қилмоқ; қармоққа туширмоқ; ~ **де́ньги** пулини согиб олмоқ (ўлжа қилмоқ); ~ **све́дения** маълумотларни қўлга киритмоқ.

ВЫУ́ЖИВАТЬ *несов. см.* **вы́удить**.

ВЫТЮ́ЖИТЬ *сов. что* дазмолламоқ, дазмоллаб олмоқ, дазмоллаб қўймоқ; ~ **бро́ки** шимни дазмоллаб олмоқ.

ВЫУЧЕНИК *м разг.* шогирд, устоз кўрган киши.

ВЫУЧЕНИЦА *ж разг. см.* **вы́ученик**.

ВЫУЧИВАТЬ *несов. см.* **вы́учить**.

ВЫУ́ЧИВАТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **вы́учиться**; 2 *страд. от* **выу́чивать**.

ВЫУЧИТЬ *сов. (несов.* **выу́чивать**) 1 *что* ёдламоқ, ўрганиб (билиб) олмоқ, ёд олмоқ, тайёрламоқ; ~**уро́к** дарс тайёрламоқ; ~ **стихотворе́ние** шеър ёдламоқ, шеърни ёдлаб олмоқ; 2 *кого чему* или *с неопр.* ўргатмоқ, ўқитмоқ; ~ **игре́ в ша́хматы** шахмат ўйнашни ўргатмоқ; ~ **ребёнка чита́ть** болани ўқишга (болага ўқишни) ўргатмоқ.

ВЫУЧИ́ТЬСЯ *сов.* 1 *чему* или *с неопр.* билмоқ, ўрганмоқ; билиб (ўрганиб) олмоқ; ~ **чита́ть** ўқишни ўрганмоқ; ~ **игре́ на скри́пке** скрипка чалишни ўрганиб олмоқ; 2 ўқишни тугатмоқ, битириб чиқмоқ.

ВЫУЧК/А *ж* 1 *разг. по гл.* **вы́учить** 2; **пойти́ на** ~**у к ма́стеру** таълим олиш учун мастер ҳузурига бормоқ; мастерга шогирд тушмоқ; 2 билим, таълим, малака, машқ; **у него́ хоро́шая** ~**а** у яхши таълим кўрган, малакаси яхши.

ВЫФРАНТИ́ТЬСЯ, -нчусь, -нтишься *сов. уст. прост.* ўзига (кийимига) зеб бермоқ, башанг кийинмоқ.

ВЫХА́ЖИВАТЬ I *несов. см.* **вы́ходить I**.

ВЫХА́ЖИВАТЬ II *несов. см.* **вы́ходить II**.

ВЫХА́РКАТЬ *сов. (несов.* **выха́ркивать**) *что* йўталиб-йўталиб чиқариб ташламоқ.

ВЫХА́РКИВАТЬ *несов. см.* **вы́харкать** и **вы́харкнуть**.

ВЫХА́РКНУТЬ *сов.* и *однокр. (несов.* **выха́ркивать**) *что* йўталиб чиқариб ташламоқ.

ВЫХВА́ЛИВАТЬ *несов. см.* **вы́хвалить**.

ВЫХВА́ЛИВАТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **вы́хвалиться**; 2 *страд. от* **выхва́ливать**.

ВЫХВА́ЛИТЬ *сов. (несов.* **выхва́ливать** и **выхваля́ть**) *кого-что разг.* роса (кўп, хўб) мақтамоқ, мақтовини ошириб юбормоқ.

ВЫХВА́ЛИТЬСЯ *сов. (несов.* **выхва́ливаться** и **выхваля́ться**) *разг.* роса (хўб) мақтанмоқ.

ВЫХВАЛЯ́ТЬ *несов. см.* **вы́хвалить**.

ВЫХВАЛЯ́ТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **вы́хвалиться**; 2 *страд. от* **выхваля́ть**.

ВЫХВАТИ/ТЬ, -ачу, -атишь *сов. (несов.* **выхва́тывать**) 1 *кого-что* тортиб олмоқ, юлиб олмоқ; ~**ть кни́гу из рук** қўлидан китобни юлиб олмоқ; ~**ть горя́щую головню́ из костра́** гулхандан ёниб турган ўтинни (чаланни) тортиб олмоқ; 2 *кого-что* шартта суғуриб олмоқ; **На бегу́ Ка́збич** ~**л из чехла ружьё и вы́стрелил** (Лермонтов) Казбич от қўйиб келаётиб милтиқни шартта ғилофидан суғурди-да ўқ узди; 3 *что разг.* чуқурроқ (кўпроқ, ортиқроқ) кесиб олмоқ, ўймоқ (бичиқда); ~**ть во́рот** ёқасини (ўмизини) чуқурроқ ўймоқ (кесиб олмоқ).

ВЫХВА́ТЫВАТЬ *несов. см.* **вы́хватить**.

ВЫХЛЕБА́ТЬ *сов. что прост.* ҳўплаб тамомламоқ, ҳўплаб-ҳўплаб ичиб қўймоқ; ~ **уху́** балиқ шўрвани ҳўплаб-ҳўплаб ичиб қўймоқ.

ВЫХЛЕБНУ́ТЬ *сов. что* ҳўплаб ичмоқ, ҳўплаб ютмоқ.

ВЫХЛЕСТА́ТЬ, -ещу, -ещешь *сов. (несов.* **выхлёстывать**) *прост.* 1 *кого* саваламоқ, калтакламоқ; ~ **плёткою** хипчин билан саваламоқ; 2 *что* қоқмоқ, уриб (савалаб) чиқармоқ; ~ **пыль из ковра́** гиламнинг чангини уриб чиқармоқ; 3 *что* и *чего груб. прост.* ичмоқ, отмоқ; ичиб (отиб) олмоқ.

ВЫХЛЕСТНУ/ТЬ *сов. (несов.* **выхлёстывать**) *что прост.* 1 уриб чиқармоқ; **Ле́вый глаз ему́ пасту́х кнуто́м** ~**л** (Замойский) чўпон унинг чап кўзини қамчи билан уриб чиқарди; 2 тўкиб ташламоқ, сепиб юбормоқ.

ВЫХЛЕСТЫВАТЬ *несов. см.* **вы́хлестать** и **вы́хлестнуть**.

ВЫХЛОП *м тех.* чиқариш, чиқиш (ишланган газлар ҳақида).

ВЫХЛОПА́ТЫВАТЬ *несов. см.* **вы́хлопотать**.

ВЫХЛОПН/О́Й, -а́я, -о́е чиқаришга оид; чиқарадиган (чиқадиган); чиқариш...; ~**о́й кла́пан** чиқариш клапани; ~**ые га́зы** ишланган газлар (двигатель цилиндрларида ишлаб бўлгандан кейин чиқарилаётган газлар).

ВЫХЛОПОТА́ТЬ, -очу, -очешь *сов. (несов.* **выхлопа́тывать**) *что* елиб-югуриб ундирмоқ, олмоқ, қўлга киргизмоқ; ~ **разреше́ние** елиб-югуриб рухсат олмоқ.

ВЫХО́Д *м* 1 чиқиш; ~ **на рабо́ту** ишга чиқиш; ~ **кни́ги в свет** китобнинг босилиб чиқиши; ~ **актёра на сце́ну** актёрнинг саҳнага чиқиши; ~ **на орби́ту** орбитага чиқиш; 2 чиқиш йўли; йўлак, чиқавериш; **запа́сный** ~ запас чиқиш йўли; **стоя́ть у** ~**а** чиқаверишда турмоқ; 3 *перен.* чора, йўл, илож; **найти́** ~ **из тру́дного положе́ния** оғир аҳволдан қутулиш йўлини топмоқ; 4 ҳосил; маҳсул (маҳсулот) миқдори; ~ **проду́кции на едини́цу сырья́** хомашё бирлигидан олинадиган маҳсулот миқдори; 5 *спец.* юзага чиқиб қолган тоғ жинслари; ✦ **дать** (и́ли **найти́** и т. п.) ~ *чему* имкон яратмоқ (чопмоқ ва ҳ. к.); **знать все ходы́ и** ~**ы** бутун икир-чикирларидан хабардор бўлмоқ, ҳамма йўл-йўриқларини билмоқ.

ВЫХОДЕ́Ц *м, р.* **-дца** 1 асли ...лик киши; соқа; **он** ~ **из По́льши** у асли польшалик; 2 асли бирор ижтимоий группага, тоифага мансуб киши; **он** ~ **из крестья́н** у асли деҳқонлардан; у деҳқонлардан чиққан.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ВЫХОДИТЬ I, **-ожу**, **-одишь** *сов.* (*несов.* **выха́живать** I) айланиб (кезиб) чиқмоқ; ~ **все леса́** ҳамма ўрмонларни айланиб чиқмоқ.

ВЫХОДИ́ТЬ II, **-ожу**, **-одишь** *сов.* (*несов.* **выха́живать** II) *разг.* 1 *кого* қараб (парвариш қилиб, боқиб) тузатмоқ; ~ **ра́неного** ярадорни парвариш қилиб тузатмоқ; 2 боқиб (парвариш қилиб, тарбиялаб) ўстирмоқ, катта қилмоқ; ~ **здоро́вого ребёнка** болани соғлом қилиб ўстирмоқ.

ВЫХОДИ́ТЬ, **-ожу́**, **-о́дишь** *несов.* 1 *см.* **вы́йти**; 2 қарамоқ, бирор томонга қараган бўлмоқ; **окно́ выхо́дит во двор** дераза ҳовли томонга қараган; 3 *в знач. вводн. сл. разг.* шундай экан, демак, бинобарин; **путь э́тот, выхо́дит, был пра́вилен** бинобарин, бу йўл, тўғри йўл экан; ✦ **не выхо́дит из голово́ы** (или **из ума́**) миядан (хаёлдан) кетмайди, ҳеч унутиб бўлмайди.

ВЫХОДИ/ТЬСЯ, **-ится** *соз. разг.* и *спец.* етилмоқ, қиёмига етмоқ; **пи́во** ~ **лось** пиво қпёмига етди.

ВЫХОДКА *ж, р. мн.* **-док** ножўя ҳаракат, иш, қилиқ; охон; **глу́пая** ~ аҳмоқона иш аҳмоқона ҳаракат, қилиқ; **мальчи́шеская** ~ болаларча қилиқ, бачкана ҳаракат.

ВЫХОДН/О́Й, **-а́я**, **-о́е** 1 чиқадиган (чиқиладиган); чиқиш...; ~**а́я дверь** чиқиш (чиқиладиган) эшик; чиқиш эшиги; ~**о́е отве́рстие** чиқиш тешиги; 2 кишилик, кўчалик, байрам...; ~**о́й костю́м** кишилик (кўчалик) костюм, байрам либоси; 3 дам олиш учун ажратилган, дам олинадиган; дам олиш...; ~**о́й день** дам олинадиган кун, дам олиш куни; 4 *в знач. сущ.* ~**о́й** *м разг.* дам олиш куни; 5 *в знач. сущ.* ~**о́й** *м*, ~**а́я** *ж разг.* дам олувчи; **я сего́дня** ~**о́й** (или ~**а́я**) мен бугун дам оламан; 6 *тех.* тармоқдан чиқишдаги; чиқиш...; ~**о́й трансформа́тор** чиқиш трансформатори; ✦ ~**о́е посо́бие** ишдан бўшаганда қонунга мувофиқ бериладиган пул; ~**а́я роль** *театр.* иккинчи даражали роль; ~**ые све́дения** (или **да́нные**) нашрга оид маълумотлар (нашрнинг босилиб чиққан вақти, жойи, тиражи ва ҳ. к.).

ВЫХОЛА́ЖИВАТЬ *несов. см.* **вы́холодить.**

ВЫХОЛАЩИВАТЬ *несов. см.* **вы́холостить.**

ВЫХОЛЕ́ННЫЙ, **-ая**, **-ое** 1 *прич. от* **вы́холить**; 2 *в знач. прил.* оро берилган, оро бериб қаралган, боқилган; ораста, силама-сандиқ; ~**ая боро́дка** ораста соқол.

ВЫХОЛИ́ТЬ *сов. кого-что* оро бермоқ, оро бериб қарамоқ, ардоқлаб боқмоқ, тарбияламоқ; ~ **ру́ки** қўлига оро бермоқ; ~ **жеребца́** тойчоқни ардоқлаб боқмоқ.

ВЫХОЛО́ДИТЬ, **-ожу**, **-одишь** *сов.* (*несов.* **выхола́живать**) *что разг.* совитмоқ; ~ **ко́мнату** хонани совитмоқ.

ВЫХОЛОСТИ́ТЬ, **-ощу**, **-остишь** *сов.* (*несов.* **выхола́щивать**) 1 *кого* бичмоқ, ахта қилмоқ, ахталамоқ; 2 *перен. что* энг керак жойини (мағзини) олиб ташламоқ, бемазалаштирмоқ, бемаънилаштирмоқ; ~ **иде́ю** ғояни бемаънилаштирмоқ.

ВЫХОЛОЩЕ́ННЫ/Й, **-ая**, **-ое** 1 *прич. от* **вы́холостить**; ~ **бара́н** бичилган қўй, ахта қўй; 2 *в знач. прил.* энг керак жойи (мағзи) олиб ташланган, бемаза, бемаъни.

ВЫХУХО́ЛЕВ/ЫЙ, **-ая**, **-ое** 1 сув каламушига оид; сув каламуши...; 2 сув каламушининг терисидан(мўйнасидан) қилинган; ~**ая шу́ба** сув каламушининг мўйнасидан қилинган шуба.

ВЫХУХО́ЛЬ *м* 1 сув каламуши; 2 сув каламуши мўйнаси.

ВЫЦАРАПА́ТЬ *сов.* (*несов.* **выцара́пывать**) 1 *что* тимдалаб олмоқ, тимдалаб ташламоқ; тирнаб ўйиб олмоқ; 2 *перен. кого-что разг.* талашиб-тортишиб олмоқ, аранг ундирмоқ, қийинчилик билан қўлга киритмоқ (ёки қутқармоқ); ~ **де́ньги для приобрете́ния спортинвента́ря** спорт инвентарлари олиш учун талашиб-тортишиб аранг пул ундирмоқ; 3 тирнаб (ёки чизиб) туширмоқ, солмоқ, ёзмоқ; ~ **на́дпись** тирнаб ёзув ёзмоқ.

ВЫЦАРАПА́ТЬСЯ *сов.* (*несов.* **выцара́пываться**) *прост.* 1 тирмашиб чиқиб олмоқ; ~ **из я́мы** чуқурдан тирмашиб чиқиб олмоқ; 2 *перен. разг.* зўрға қутулмоқ, аранг чиқмоқ; ~ **из долго́в** қарзлардан аранг қутулмоқ; ~ **из тру́дностей** қийинчиликлардан аранг чиқмоқ.

ВЫЦАРА́ПЫВАТЬ *несов. см.* **вы́царапать.**

ВЫЦАРА́ПЫВАТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **вы́царапаться**; 2 *страд. от* **выцара́пывать.**

ВЫЦВЕ/СТИ, **-етет** *сов.* (*несов.* **выцвета́ть**) айнимоқ, ўнгмоқ, оқармоқ, ранги ўчмоқ (кетмоқ); **матери́ал** ~**л** газлама айниди, газламанинг ранги ўчди; **во́лосы на со́лнце** ~**ли** сочлари офтобда айниб (сарғайиб) кетди.

ВЫЦВЕТА́ТЬ *несов. см.* **вы́цвести.**

ВЫЦЕДИ́ТЬ, **-ежу**, **-едишь** *сов.* (*несов.* **выце́живать**) *что* 1 сузмоқ, сузиб олмоқ, сузғичдан ўтказмоқ; ~ **вино́ из бо́чки** бочкадаги винони сузиб олмоқ; 2 *разг.* симирмоқ, сипқармоқ, симириб ичиб қўймоқ; 3 *перен. разг.* секин (имиллаб) гапирмоқ, истар-истамас гапирмоқ; ~ **сквозь зу́бы** тишлари орасидан секин (ёки истар-истамас) гапирмоқ.

ВЫЦЕ́ЖИВАТЬ *несов. см.* **вы́цедить.**

ВЫЦЕ́ЛИВАТЬ *несов. см.* **вы́целить.**

ВЫЦЕ́ЛИТЬ *сов.* (*несов.* **выце́ливать**) *кого-что* нишонга олмоқ; ~ **пти́цу** қушни нишонга олмоқ.

ВЫЧА́ЛИВАТЬ *несов. см.* **вы́чалить.**

ВЫЧА́ЛИТЬ *сов.* (*несов.* **выча́ливать**) *что спец.* арқонни ечмоқ, арқондан бўшатмоқ (кема, дирижабль ҳақида); ~ **су́дно** кемани арқондан бўшатмоқ.

ВЫЧЕКА́НИВАТЬ *несов. см.* **вы́чеканить.**

ВЫЧЕКА́НИТЬ *сов.* (*несов.* **вычека́нивать**) *что* босиб чиқармоқ, зарб қилмоқ; ~ **моне́ту** танга зарб қилмоқ, танга пул босмоқ; ~ **меда́ль** медаль зарб қилмоқ.

ВЫЧЁРКИВАТЬ *несов. см.* **вы́черкнуть.**

ВЫЧЕ́РКНУТЬ *сов.* (*несов.* **вычёркивать**) *кого-что* 1 ўчирмоқ, ўчириб ташламоқ, чизиб ташламоқ; ~ **две стро́чки** икки сатрни ўчириб ташламоқ; ~ **фами́лию из спи́ска** рўйхатдан фамилияни ўчириб ташламоқ; 2 *перен.* йўқ қилмоқ, йўқотмоқ; ~ **из па́мяти** эсдан (миясидан) чиқариб юбормоқ, унутмоқ; ~ **из свое́й жи́зни** ўзи учун йўқ деб билмоқ (ҳисобламоқ).

ВЫ́ЧЕРНИТЬ *сов. что разг.* қорага бўямоқ, қора қилмоқ; ~ **во́лосы** сочларини қорага бўямоқ.

ВЫЧЕРПА́ТЬ *сов.* (*несов.* **вычёрпывать**) *что* 1 чўмичлаб (сузиб) олиб тамомламоқ, батамом сузиб олмоқ; ~ **во́ду из бо́чки** бочкадаги сувни чўмичлаб олиб тамомламоқ; 2 сузиб олиб сувини тамом қилмоқ, сувини олавериб қуритмоқ; ~ **коло́дец** қудуқдан сув олавериб қуритмоқ.

ВЫЧЕ́РПЫВАТЬ *несов. см.* **вы́черпать.**

ВЫЧЕ́РТИТЬ, **-рчу**, **-ртишь** *сов.* (*несов.* **вычёрчивать**) *что* чизмоқ, чизиб қўймоқ, чизиб бўлмоқ (қўлдан чиқармоқ); ~ **план до́ма** уйнинг планини чизмоқ; ~ **схе́му** схема чизмоқ.

ВЫЧЕ́РЧИВАТЬ *несов. см.* **вы́чертить.**

ВЫЧЕСА́ТЬ, **-ешу**, **-ешешь** *сов.* (*несов.* **вычёсывать**) 1 *кого-что* тароқ билан тозаламоқ, тараб ташламоқ; ~ **пе́рхоть из воло́с** сочдаги қазғоқларни тараб ташламоқ; 2 *что* тарамоқ, тараб қўймоқ, тараб олмоқ; ~ **во́лосы** сочларни тараб қўймоқ; 3 *что* тарамоқ, тараб титмоқ, ишламоқ, тозаламоқ; ~ **лён** зиғирпояни тарамоқ.

ВЫЧЕСК/А *ж* 1 *по гл.* **вы́чесать**; ~**а льна** зиғирпояни тараш; 2 *мн.* ~**и** тарашдан чиққан чиқиндилар; **льняны́е** ~**и** таралган зиғирпоя чиқиндилари.

ВЫЧЕСТЬ, **-чту**, **-чтешь** *сов.* (*несов.* **вычита́ть**) *что* 1 айирмоқ, олиб ташламоқ; айирув амалини бажармоқ; ~ **два из пяти́** бешдан иккини айирмоқ; 2 ушлаб қолмоқ, тутиб (чегириб) қолмоқ; ~ **задо́лженность** қарзни ушлаб қолмоқ.

ВЫЧЁСЫВАТЬ *несов. см.* **вы́чесать.**

ВЫЧЕТ *м* 1 *по гл.* **вы́честь** 2; ~ **из зарпла́ты** маошдан ушлаб қолиш; 2 ушлаб (чегириб) қолинган пул, чегирма; **небольшо́й** ~ унча катта бўлмаган чегирма; ✦ **за** ~**ом** ... ни ҳисобга олмаганда, ... дан ташқари, ... дан бошқа.

ВЫЧИСЛЕ́НИЕ *с* 1 *по гл.* **вы́числить**; ~ **проце́нтов** процентларни ҳисоблаш; **произвести́** ~ ҳисоблаш, ҳисоб қилиш; 2 ҳисоб натижаси, ҳисоблаб чиқарилган натижа.

ВЫЧИСЛИ́ТЕЛЬ *м* 1 ҳисобловчи, ҳисобчи; 2 ҳисоблаш асбоби, машинаси.

ВЫЧИСЛИ́ТЕЛЬН/ЫЙ, **-ая**, **-ое** 1 ҳисоблашга оид; ҳисоблаш; ~**ые рабо́ты** ҳисоблаш ишлари; 2 ҳисоблайдиган; ҳисоблаш билан шуғулланадиган; ҳисоблаш...; ~**ая маши́на** ҳисоблаш машинаси; ~**ый центр** ҳисоблаш маркази.

ВЫЧИСЛИ́ТЬ *сов.* (*несов.* **вычисля́ть**) *что* ҳисобламоқ, ҳисоблаб чиқармоқ.

ВЫЧИСЛЯ́ТЬ *несов. см.* **вы́числить.**

www.ziyouz.com kutubxonasi

ВЫЧИСТИТЬ, -ищу, -истишь *сов.* (*несов.* **вычища́ть**) *что* тозаламоқ; тозалаб қўймоқ, тозалаб чиқмоқ; ~ **щёткой** чўтка билан тозаламоқ; ~ **пальто́** пальтони тозаламоқ; ~ **ко́мнату** уйни тозаламоқ.

ВЫЧИСТИТЬСЯ, -ищусь, -истишься *сов.* (*несов.* **вычища́ться**) тоза бўлмоқ, тозаланмоқ; ~ **от пу́ха** пардан тозаланмоқ, пардан ўзини тозаламоқ.

ВЫЧИТАЕМОЕ *с. р.* **-ого** *мат.* айрилувчи.

ВЫЧИТАНИ/Е *с мат.* айириш, олиш, чиқариб ташлаш; ~**е це́лых чи́сел** бутун сонларни айириш; **знак ~я** айириш белгиси.

ВЫЧИТА/ТЬ *сов.* (*несов.* **вычи́тывать**) *что* 1 *разг.* ўқиб олмоқ, ўқиб билиб олмоқ; **я ~л э́то в газе́те** мен буни газетадан ўқиб билдим; **~ть но́вость** янгиликни ўқиб билиб олмоқ; 2 ўқиб чиқмоқ, ўқиб тузатмоқ; **~ть ру́копись** қўл ёзмани ўқиб тузатмоқ; **~ть гра́нки** гранкаларни ўқиб тузатмоқ.

ВЫЧИТА́ТЬ *несов. см.* **вы́честь.**

ВЫЧИТКА *ж спец. по гл.* **вы́читать** 2; ~ **машинопи́сного те́кста** машинкаланган текстни ўқиб чиқиш.

ВЫЧИ́ТЫВАТЬ *несов. см.* **вы́читать.**

ВЫЧИЩА́ТЬ *несов. см.* **вы́чистить.**

ВЫЧИЩА́ТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **вы́чиститься;** 2 *страд. от* **вычища́ть.**

ВЫЧУРНО *нареч.* ҳашам бериб, бежамдор (жимжимадор) қилиб, бежаб, тамтароқли; ~ **говори́ть** бежаб (жимжимадор қилиб) гапирмоқ.

ВЫЧУРНОСТЬ *ж* бежамдорлик, жимжимадорлик, тамтароқлилик; ~ **ре́чи** нутқнинг тамтароқлилиги; ~ **сти́ля** услубнинг бежамдорлиги.

ВЫЧУРН/ЫЙ, -ая, -ое; -рен, -рна серҳашам, бежамдор, жимжимадор, баландпарвоз, тамтароқли; ~**ый стиль** бежамадор услуб; ~**ая фра́за** жимжимадор гап, тамтароқли (баландпарвоз) ибора.

ВЫШАГА́ТЬ *сов.* (*несов.* **вышага́ть**) *что разг.* одимлаб юрмоқ, пиёда юриб қанчадир йўл босмоқ; ~ **весь путь до села́** қишлоққача пиёда (юриб) бормоқ.

ВЫШАГИВА́ТЬ *несов. разг.* 1 *см.* **вы́шагать;** 2 каттакатта қадам ташлаб юрмоқ, бир текис қадам ташлаб бормоқ.

ВЫШАГНУТЬ *сов. разг.* бир қадам ташлаб олдинга чиқмоқ; ~ **из стро́я** сафдан бир қадам ташлаб олдинга чиқмоқ.

ВЫШАРИВАТЬ *несов. см.* **вы́шарить.**

ВЫ́ШАРИТЬ *сов.* (*несов.* **вышáривать**) *что прост.* 1 ҳамма ёқни қидириб (ковлаштириб) чиқмоқ; тит-пит қилмоқ; 2 қидириб (ковлаштириб) топмоқ.

ВЫШВЫРИВАТЬ *несов. см.* **вы́швырнуть и вы́швырять.**

ВЫШВЫРНУТЬ *сов.* (*несов.* **вышвы́ривать**) *кого-что разг.* 1 ирғитиб (улоқтириб) ташламоқ, отиб юбормоқ; 2 ҳайдаб юбормоқ, чиқариб ташламоқ.

ВЫШВЫРЯТЬ *сов.* отиб-отиб ташламоқ (юбормоқ).

ВЫШЕ 1 *см.* **высо́кий** и **высоко́;** ~ **ро́стом** бўйи баланд-роқ; 2 *нареч.* юқори; баланд(роқ); **этажо́м** ~ бир этаж юқори; **подня́ться** ~ баланд(роқ) кўтарилмоқ; 3 *нареч.* юқори, катта; **де́ти от пяти́ лет и** ~ беш ёшли ва ундан катта болалар; **на шесто́й эта́ж и** ~ олтинчи этаж ва ундан юқорига; 4 *предлог с р.* баланд, юқори; **быть** ~ **предрассу́дков** хурофотлардан юқори турмоқ; 5 *предлог с р.* юқорида; юқорига, дарёнинг юқори томонида томонига); 6 *нареч.* юқорида; **как ска́зано** ~ юқорида айтилганидек.

ВЫШЕИЗЛО́ЖЕННЫ/Й, -ая, -ое юқорида айтилган, юқорида зикр этилган, баён қилинган; ~**е до́воды** юқорида баён этилган далиллар.

ВЫШЕЛУШИВАТЬ *несов. см.* **вы́шелушить.**

ВЫШЕЛУ́ШИТЬ *сов.* (*несов.* **вышелу́шивать**) *что* оқламоқ; тозаламоқ; ~ **зерно́** донни тозаламоқ.

ВЫШЕНАЗВА́ННЫЙ, -ая, -ое юқорида номи айтилган, зикр қилинган, мазкур.

ВЫШЕОЗНАЧЕ́ННЫЙ, -ая, -ое юқорида кўрсатилган.

ВЫШЕПОИМЕНО́ВАННЫЙ, -ая, -ое юқорида номи кўрсатилган, зикр қилинган, мазкур.

ВЫШЕПРИВЕДЕ́ННЫЙ, -ая, -ое юқорида келтирилган.

ВЫШЕСТОЯ́ЩИ/Й, -ая -ее юқорида турган; юқори; ~**е о́рганы вла́сти** давлатнинг юқори органлари.

ВЫШЕУКА́ЗАННЫЙ, -ая, -ое юқорида кўрсатилган.

ВЫШЕУПОМЯ́НУТЫЙ, -ая, -ое юқорида эслатиб ўтилган, зикр қилинган, мазкур.

ВЫШИБА́ЛА *м прост. уст.* мушти йўғон (революциядан илгари: трактир, фоҳишахона ва ш. к. жойлардан мастларни, тўполончиларни ҳайдаб чиқарувчи ходим).

ВЫШИБА́ТЬ *несов. см.* **вы́шибить.**

ВЫШИБИТЬ, -бу, -бешь; -шиб, -ла *сов.* (*несов.* **вышиба́ть**) *кого-что разг.* 1 уриб туширмоқ; қоқиб туширмоқ; ~ **из рук** қўлидан уриб туширмоқ; 2 *перен.* ҳайдаб (суриб) чиқармоқ; ✦ ~ **дух** (или **ду́шу**) *из кого* уриб ўлдирмоқ.

ВЫШИВАЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое гул (кашта) тикадиган; ~**ая маши́на** гул (кашта) тикадиган машина; ~**ые ни́тки** кашта тикадиган иплар.

ВЫШИВА́ЛЬЩИЦА *ж* гул (кашта) тикувчи, каштачи, каштадўз, йўрмадўз.

ВЫШИВА́НИЕ *с* 1 *по гл.* **вышива́ть;** 2 тикилган нарса, иш, кашта.

ВЫШИВА́ТЬ *несов. см.* **вы́шить.**

ВЫШИВК/А *ж* 1 *по гл.* **вы́шить — вышива́ть; занима́ться ~ой** кашта тикмоқ, каштадўзлик (йўрмадўзлик) билан шуғулланмоқ; 2 кашта, гул; **ру́сская ~а** русча кашта; **пла́тье с ~ой** кашта тикилган кўйлак.

ВЫШИВНО́Й, -а́я, -о́е гул (кашта) тикилган, йўрмадўзи.

ВЫШИН/А *ж* 1 баландлик; **~о́й в сто ме́тров** баландлиги юз метр; 2 осмон, кўк, фалак; **в ~е́** осмонда, баландда.

ВЫШИТЫЙ, -ая, -ое 1 *прич. от* **вы́шить;** 2 гул (кашта) тикилган; ~ **воротни́к** гул тикилган ёқа.

ВЫШИТЬ, -шью, -шьешь *сов.* (*несов.* **вышива́ть**) *что* 1 гул тикиб безамоқ; ~ **би́сером** нозикдан гул тикиб безамоқ; 2 тикмоқ, тикиб қилмоқ; ~ **ме́тки на бельё** кирга белги тикмоқ.

ВЫШКА *ж, р. мн.* **-шек** 1 мезана, минора; **зда́ние с угловы́ми ~ми** бурчакларида миноралари бўлган бино; 2 *спец.* вишка, минора; **сторожева́я ~** қоровул вишкаси; **буровáя ~** бурғилаш вишкаси; **нефтяна́я ~** нефть вишкаси; **наблюда́тельная ~** кузатув минораси.

ВЫШКОЛИТЬ *сов. кого разг.* қаттиққўллик билан таълим бермоқ, қаттиқ интизомга (тартибга) ўргатмоқ.

ВЫШМЫГНУТЬ *сов. разг.* лип этиб чиқиб кетмоқ, билдирмай (шиппа) қочиб қолмоқ.

ВЫШН/ИЙ, -яя, -ее *уст.* 1 баланддаги, осмондаги, кўкдаги; 2 *прост.* олий, юқори, энг катта; ~**ее нача́льство** энг катта бошлиқлар; 3 *книжн.* илоҳий; ~**яя си́ла** илоҳий куч; 4 *в знач. сущ.* ~**ий** *м книжн. уст.* худо, раб(б).

ВЫШНЫРИВАТЬ *несов.* 1 *см.* **вы́шнырять;** 2 *см.* **вы́шнырнуть.**

ВЫШНЫРНУТЬ *сов.* (*несов.* **вышны́ривать**) *прост.* лип этиб (тўсатдан) чиқиб қолмоқ.

ВЫ́ШНЫРЯТЬ *сов.* (*несов.* **вышны́ривать**) *кого-что прост.* 1 изғиб (ҳамма ёқни айланиб) чиқмоқ; 2 ковлаштириб топмоқ; суриштириб ҳамма нарсани билиб олмоқ.

ВЫШПА́РИВАТЬ *несов. см.* **вы́шпарить.**

ВЫШПА́РИТЬ *сов.* (*несов.* **вышпа́ривать**) 1 *что* қайноқ сув (ёки буғ) билан тозаламоқ; ~ **бо́чку** бочкани қайноқ сув (ёки буғ) билан тозаламоқ; 2 *кого-что* парт қилмоқ; қайноқ сув сочиб қирмоқ, йўқ қилмоқ; ~ **тарака́нов** тараканларни парт қилмоқ (қайноқ сув билан қирмоқ).

ВЫШТАМПО́ВАТЬ *сов.* (*несов.* **выштампо́вывать**) *что* штамплаб ясамоқ, штамповка қилмоқ, штамповка қилиб тайёрламоқ.

ВЫШТАМПО́ВЫВАТЬ *несов. см.* **вы́штамповать.**

ВЫШТУКАТУ́РИВАТЬ *несов. см.* **вы́штукатурить.**

ВЫШТУКАТУ́РИВАТЬСЯ, **-ается** *несов.* 1 *см.* **вы́штукатуриться;** 2 *страд. от* **выштукатури́вать.**

ВЫШТУКАТУ́РИТЬ *сов.* (*несов.* **выштукатури́вать**) *что* сувамоқ, сувоқ қилмоқ, суваб қўймоқ, суваб чиқмоқ; ~ **сте́ны** деворларни суваб қўймоқ.

ВЫШТУКАТУ́РИТЬСЯ, -ится *сов. разг.* сувалмоқ, сувоқдан чиқмоқ.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ВЫШУТИТЬ, -учу, -утишь *сов.* (*несов.* **вышу́чивать**) *кого-что* эрмак қилмоқ, мазах қилмоқ; ~ *чью-л.* **мысль** бирор кишининг гапини мазах қилмоқ.

ВЫШУ́ЧИВАТЬ *несов. см.* **вы́шутить.**

ВЫЩЕЛА́ЧИВАТЬ *несов. см.* **вы́щелочить.**

ВЫЩЕЛА́ЧИВАТЬСЯ, -ается *несов.* 1 *см.* **вы́щелочиться**; 2 *страд. от* **выщела́чивать.**

ВЫЩЕЛО́ЧИТЬ *сов.* (*несов.* **выщела́чивать**) *что хим. тех.* 1 суюқликда эритиб ажратиб олмоқ; ~ **со́ду из золы́** суюқликда эритиб кулдан сода ажратиб олмоқ; 2 ишқорга солмоқ, ишқор билан ювмоқ.

ВЫЩЕЛО́ЧИТЬСЯ, -ится *сов. хим. тех.* суюқликда эриб ажралиб чиқмоқ, олинмоқ.

ВЫЩЕРБ/И́ТЬ, -блю, -бишь *сов.* (*несов.* **выщербля́ть**) *что разг.* увалатиб кемтик (арра) қилиб қўймоқ; ~**ить нож** пичоқнинг дамини арра қилиб қўймоқ; ~**ленные зу́бы** увалаиб кемтик бўлиб қолган тишлар.

ВЫЩЕРБИ́ТЬСЯ, -ится *сов.* (*несов.* **выщербля́ться**) *разг.* увалаиб кемтик (арра) бўлиб қолмоқ.

ВЫЩЕРБЛЯ́ТЬ *несов. см.* **вы́щербить.**

ВЫЩЕРБЛЯ́ТЬСЯ, -я́ется *несов.* 1 *см.* **вы́щербиться**; 2 *страд. от* **выщербля́ть.**

ВЫЩИПА́ТЬ *сов.* (*несов.* **выща́пывать**) *что* 1 юлмоқ, юлиб олмоқ; ~ **траву́** ўтни юлиб олмоқ; ~ **пе́рья у ку́рицы** товуқнинг патини юлмоқ.

ВЫЩИПНУ́ТЬ *сов.* и *однокр.* (*несов.* **выща́пывать**) *что* чимчилаб олмоқ, юлиб олмоқ; ~ **пёрышко** бир дона патни юлиб олмоқ.

ВЫЩА́ПЫВАТЬ *несов. см.* **вы́щипнуть** и **вы́щипать.**

ВЫЩУПА́ТЬ *сов.* (*несов.* **выщу́пывать**) *кого-что* 1 ушлаб кўриб (пайпаслаб) билмоқ; пайпаслаб топмоқ; 2 ҳамма ёғини пайпаслаб чиқмоқ.

ВЫЩУ́ПЫВАТЬ *несов. см.* **вы́щупать.**

ВЫ́Я *ж уст. высок. то же, что* **ше́я.**

ВЫЯ́ВИТЬ, -влю, -вишь *сов.* (*несов.* **выявля́ть**) *кого-что* 1 кўрсатмоқ; намойиш (намоён) қилмоқ; ~ **свои́ спосо́бности** ўз қобилиятларини кўрсатмоқ; 2 аниқламоқ, очмоқ, фош (ошкор, маълум) қилмоқ; ~ **недоста́тки в рабо́те** ишда и камчиликларни очмоқ; ~ **возмо́жности** имкониятларни аниқламоқ.

ВЫЯ́ВИТЬСЯ, -ится *сов.* (*несов.* **выявля́ться**) аниқланмоқ, очилмоқ, маълум (ошкор) бўлиб қолмоқ.

ВЫЯВЛЕ́НИЕ *с по гл.* **вы́явить** и **вы́явиться**; ~ **спосо́бностей** қобилият(лари)нинг аниқланиши; истеъдоднинг намоён бўлиши; ~ **замаскиро́ванного проти́вника** паналаниб (писиб) олган душманни топиш (фош қилиш).

ВЫЯВЛЯ́ТЬ *несов. см.* **вы́явить.**

ВЫЯВЛЯ́ТЬСЯ, -я́ется *несов.* 1 *см.* **вы́явиться**; 2 *страд. от* **выявля́ть.**

ВЫЯСНЕ́НИЕ *с по гл.* **вы́яснить** I и **вы́ясниться**; ~ **отноше́ний** муносабатларни аниқлаш; муносабатларнинг аниқланиши.

ВЫЯСНИТЬ I *сов.* (*несов.* **выясня́ть**) *что* аниқламоқ, ойдинлаштирмоқ; ~ **обстано́вку** вазиятни аниқламоқ (ойдинлаштирмоқ).

ВЫЯСНИТЬ II, -ит *сов. обл.* очилмоқ (ҳаво ҳақида).

ВЫЯСНИ/ТЬСЯ, -ится *сов.* (*несов.* **выясня́ться**) аниқланмоқ; аниқлашмоқ, ойдинлашмоқ, очиқ-ойдин бўлиб қолмоқ; **недоразуме́ния** ~**лись** англашилмовчиликлар аниқланди (аниқлашди).

ВЫЯСНЯ́ТЬ *несов. см.* **вы́яснить** I.

ВЫЯСНЯ́ТЬСЯ, -я́ется *несов.* 1 *см.* **вы́ясниться**; 2 *страд. от* **выясня́ть.**

ВЬЕТНА́МЕЦ *м, р.* -мца вьетнам, вьетнамлик; *см.* **вьетна́мцы.**

ВЬЕТНА́МКА *ж, р. мн.* -мок вьетнам (вьетнамлик) аёл; *см.* **вьетна́мцы.**

ВЬЕТНА́МСКИЙ, -ая, -ое Вьетнамга ва вьетнамликларга оид; Вьетнам...; вьетнам(лар)...

ВЬЕТНА́МЦЫ *мн.* (*ед.* **вьетна́мец** *м*, **вьетна́мка** *ж*) вьетнамлар, вьетнамликлар, Вьетнам халқи.

ВЬЮГА *ж* изғирин, қор бўрони.

ВЬЮЖИТЬ *несов.* бўраламоқ, кўтарилмоқ (қор бўрони ҳақида).

ВЬЮЖН/ЫЙ, -ая, -ое қор бўралаётган, изғиринли; ~**ая пого́да** қор бўралаётган ҳаво, изғиринли совуқ ҳаво.

ВЬЮК *м* 1 юк, бўктарги (иш ҳайвонларига ортилган юк); 2 юк қоп.

ВЬЮН *м, р.* -а́ 1 илонбалиқ; 2 *перен.* чаққон (эпчил, уддабурон) одам; 3 *прост.* и *обл.* уюрма, гирдоб; 4 *прост.* и *обл.* чирмовиқ; ✦ **ви́ться** (или **верте́ться**) **вьюно́м** 1) югуриб-елмоқ, тинмай югурмоқ, ҳаракат қилмоқ; 2) *около кого* гирдикапалак бўлмоқ, парвона бўлмоқ, атрофида айланмоқ.

ВЬЮНКО́ВЫЕ *мн., р.* -ых *бот.* чирмовиқлар.

ВЬЮНО́К *м, р.* -нка́ печак, чирмовиқ; **полево́й** ~ дала печаги.

ВЬЮРОК *м, р.* -рка́ вьюрок (чумчуқсимонлар туркумига мансуб қуш).

ВЬЮЧИ́ТЬ *несов. кого-что* юк ортмоқ, юкламоқ, бўктармоқ; ~ **покла́жу на осла́** эшакка юк ортмоқ, юкни эшакка юкламоқ; ~ **коне́й** отларга юк ортмоқ.

ВЬЮЧН/ЫЙ, -ая, -ое 1 юк боғлайдиган, юклаш (юк боғлаш) учун хизмат қиладиган; ~**ые ремни́** юк боғлайдиган тасмалар; 2 юк ортиладиган, юк ташиш учун хизмат қиладиган; юк...; ~**ое живо́тное** юк ҳайвони; ~**ое седло́** юк ортиладиган (бўктариладиган) эгар.

ВЬЮШКА *ж, р. мн.* -шек 1 мўри қопқоғи; 2 шнур (трос) ўраладиган ғалтак.

ВЬЮЩИ/ЙСЯ, -аяся, -еяся 1 *прич. от* **ви́ться**; 2 *в знач. прил.* чирмашадиган; ~**еся расте́ния** чирмашадиган ўсимликлар; 3 *в знач. прил.* жингалак; ~**еся во́лосы** жингалак сочлар.

ВЯЖУЩИ/Й, -ая, -ее 1 *прич. от* **вяза́ть**; 2 *в знач. прил.* оғиз буруштирадиган, тиш қамаштирадиган, қимизак, туруш; ~**й вкус** қимизак таъм; 3 *в знач. прил. тех.* бириктирадиган, боғловчи; ~**е материа́лы** боғловчи материаллар.

ВЯЗ *м* қайрағоч, бужун.

ВЯЗА́ЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое тўқишга оид; тўқиш учун хизмат қиладиган, тўқийдиган; тўқиш..., тўқув...; ~**ые спи́цы** тўқиш (тўқув) пилтаси; ~**ый крючо́к** тўқиш (тўқув) илгаги; ~**ая маши́на** тўқийдиган машина, тўқиш машинаси.

ВЯЗА́ЛЬЩИК *м* 1 тўр (ва ҳ. к.) тўқувчи; 2 боғловчи; ~ **снопо́в** боғ боғловчи киши.

ВЯЗА́ЛЬЩИЦА *ж см.* **вяза́льщик.**

ВЯЗА́НИЕ *с* 1 *по гл.* **вяза́ть** 1, 2; ~ **сете́й** тўр тўқиш, матрап тўқиш; ~ **чуло́к** пайпоқ тўқиш; 2 тўқилган буюм.

ВЯЗА́НКА *ж, р. мн.* -нок боғ, боғлам; ~ **соло́мы** похол боғлами; бир боғ похол; ~ **дров** бир боғлам ўтин.

ВЯЗАН/ЫЙ, -ая, -ое тўқилган; ~**ые перча́тки** тўқилган қўлқоплар; ~**ая ко́фта** тўқилган кофта.

ВЯЗА́НЬЕ *с то же, что* **вяза́ние** 2.

ВЯЗА́ТЬ, вяжу́, вя́жешь *несов. что* 1 тўр (ва ҳ. к.) тўқимоқ; ~ **чулки́** пайпоқ тўқимоқ; ~ **кру́жево** тўр тўқимоқ; 2 боғламоқ; ~ **снопы́** боғ боғламоқ; 3 тириштирмоқ, буришгирмоқ; **тани́н вя́жет** танин оғизни буруштиради; **во рту вя́жет** оғиз бурушяпти; 4 бириктирмоқ, қоқиштирмоқ, боғламоқ; ~ **бру́сья** брусларни бириктирмоқ; ✦ **лы́ка не вя́жет** *см.* **лы́ко.**

ВЯЗА́ТЬСЯ, вя́жется *несов.* 1 *с чем* мувофиқ (тўғри) келмоқ, боғланмоқ, ёпишмоқ; **его́ слова́ не вя́жутся с дела́ми** унинг сўзи ишига мувофиқ (тўғри) келмайди; 2 *страд. от* **вяза́ть**; ✦ **не вя́жется** (де́ло, разгово́р) иш юришмаяпти, гап қовушмаяпти.

ВЯЗКА *ж* 1 *по гл.* **вяза́ть** 1, 2, 4; ~ **чуло́к** пайпоқ тўқиш; ~ **снопо́в** боғ боғлаш, боғ-боғ қилиш; 2 боғ, боғич; **йловые вя́зки** тол новдасидан қилинган боғлар (боғичлар).

ВЯЗК/ИЙ, -ая, -ое; -зок, -зка́, зко; **вя́зче** 1 эгилувчан, қайишқоқ; ~**ий мета́лл** қайишқоқ металл; 2 ёпишқоқ, қовушоқ, елимшак; ~**ие вещества́** ёпишқоқ (қовушоқ) моддалар; ~**ая гли́на** ёпишқоқ лой; 3 комига тортадиган, тортиб (ютиб) кетадиган; ~**ое боло́то** тортиб (ютиб) кетадиган ботқоқлик; 4 *то же, что* **вя́жущий** 2.

ВЯ́ЗКОСТЬ *ж* 1 эгилувчанлик, қайишқоқлик; 2 ёпишқоқлик, елимшаклик, қовушоқлик; ~ **гли́ны** лойнинг ёпишқоқлиги.

ВЯЗН/УТЬ, -ну, -нешь; вяз, -ла *несов.* ботмоқ, ботиб қолмоқ; **но́ги** ~**ут в снегу́** оёқ қорга ботиб қоляпти; 2 ботиб кетмоқ; **быва́ет, живо́тные** ~**ут в тряси́нах** (Арамилев)

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ҳайвонлар ботқоққа ботиб кетган ҳоллар ҳам бўлади; 3 *разг.* ёпишиб (тиқилиб) қолмоқ; **мя́со ~ет в зуба́х** гўшт тишларга ёпишиб (кириб) қоляпти.

ВЯЗОВ/ЫЙ, -ая, -ое 1 қайрағочга оид; қайрағочдан қилинган; қайрағоч...; 2 *в знач. сущ.* **~ые** *мн. бот.* қайрағочлар.

ВЯЗЧЕ *см.* **вя́зкий.**

ВЯЗЬ *ж* чирмашган чизиқлар (орнаментда, нақшда); чирмашган ҳарфлар, чирмашган ёзувлар; **ара́бская ~** чирмашиб кетган араб ёзувлари.

ВЯКАТЬ *несов. прост.* и *обл.* онда-сонда вовуллаб (миёвлаб, инграб) қўймоқ; 2 валдирамоқ, алжирамоқ.

ВЯЛЕНИЕ *с* қуритиш, қоқлаш, сурлаш; **~ ры́бы** балиқ қуритиш.

ВЯЛЕН/ЫЙ, -ая, -ое қуритилган, қоқланган, сурланган; қоқ, сур; **~ая во́бла** қуритилган вобла; **~ое мя́со** сур гўшт.

ВЯЛИТЬ *несов. что* қуритмоқ, қоқламоқ, сурламоқ; қоқлаб (сурлаб) олмоқ (қўймоқ); **~ ры́бу** балиқни қоқламоқ, балиқ қуритмоқ; **~ мя́со** гўштни қоқламоқ.

ВЯЛИ/ТЬСЯ, -ится *несов.* 1 қоқланмоқ, сурланмоқ, сур бўлмоқ; **на со́лнце ~лась ры́ба** офтобда балиқ қоқланарди; 2 *страд. от* **вя́лить.**

ВЯЛОСТЬ *ж* 1 ланжлик, бўшашганлик, лоҳаслик; сустлик; 2 шалвираганлик, шалпайганлик, сўлганлик; **~ мышц** мускулларнинг шалвираганлиги.

ВЯЛ/ЫЙ, -ая, -ое 1 сўлиган, сўлиб қолган, сўлғин; **~ые ли́стья** сўлиган барглар; 2 бўшашган, шалвираган, шалпайган, лоҳас, ланж, суст; **~ый челове́к** ланж (суст, бўшашган) киши; **~ое настрое́ние** ланж кайфият.

ВЯНУТ/Ь *несов.* 1 сўлмоқ, сўлиб қолмоқ; **цветы́ ~** гуллар сўлимоқда; 2 бўшашмоқ, шалвирамоқ, ланж бўлмоқ; ланж тортмоқ; ✦ **у́ши ~** қулоққа ёқмайди; одамнинг эшитгиси келмайди.

ВЯХИРЬ *м то же, что* **витю́тень.**

ВЯЩ/ИЙ, -ая, -ее *книжн. уст.* и *шутл.* янада кучли, яна ҳам зўрроқ, кўпроқ, каттароқ; **для ~ей убеди́тельности** янада ишончлироқ бўлиши учун.

Г

ГА *м нескл.* га (гектар сўзининг қисқартмаси).

ГАБАРДИ́Н *м* габардин.

ГАБАРДИ́НОВ/ЫЙ, -ая, -ое габардиндан тикилган; габардин...; **~ое пальто́** габардин пальто.

ГАБАРИ́Т *м тех.* габарит (1 нарсаларнинг энг катта ташқи ўлчамлари; **~ы станка́** станокнинг габаритлари; **дета́ли большы́х ~ов** катта габаритли деталлар; 2 *ж.-д.* темир йўл изи билан унга энг яқин бинолар оралиғи).

ГАБАРИ́ТНЫ/Й, -ая, -ое габаритли; габарит...

ГА́БИТУС *м биол. мед.* габитус, ташқи кўриниш, қиёфа; **измене́ние ~а расте́ний в результа́те скре́щивания** чатиштириш натижасида ўсимликлар қиёфасининг ўзгариши.

ГАВА́НСКИЙ, -ая, -ое гаванга оид, гавань...

ГА́ВАНЬ *ж* гавань, лиман, бандаргоҳ; **вне́шняя ~** ташқи гавань.

ГА́ВКА/ТЬ *несов. (сов.* **га́вкнуть***) прост.* акилламоқ, вовулламоқ, ҳурмоқ.

ГА́ВКНУТЬ *сов. однокр. см.* **га́вкать.**

ГА́ГА *ж* гага (Шимолий қутб сувларида яшайдиган қимматбаҳо парли ўрдак).

ГАГА́РА *ж* гагара (Шимолда яшайдиган қуюқ патли йирик сув қуши).

ГАГА́Р/ИЙ, -ья, -ье гагара...; **~ьи пе́рья** гагара патлари.

ГАГА́РКА *ж, р. мн.* **-рок** гагарка (Шимол денгизларида яшайдиган хонаки ўрдак катталигидаги қуш).

ГАГА́Т *м* гагат (тошкўмирнинг заргарлик буюмлари ясаш учун ишлатиладиган ялтироқ тури).

ГАГА́ТОВЫ/Й, -ая, -ое гагатдан қилинган; гагат...; **~е бу́сы** гагат маржон.

ГАГАУ́З *м* гагауз; *см.* **гагау́зы.**

ГАГАУ́ЗКА *ж, р. мн.* **-зок** гагауз аёл; *см.* **гагау́зы.**

ГАГАУ́ЗСКИЙ, -ая, -ое гагаузларга оид; гагауз...; **~ язы́к** гагауз тили.

ГАГАУ́ЗЫ *мн. (ед.* **гагау́з** *м,* **гагау́зка** *ж)* гагаузлар (туркий халқлардан бири).

ГАГА́ЧИЙ, -ья, -ье *прил. от* **га́га** гага...; **~ пух** гага пари.

ГАД *м* 1 *мн.* **~ы** *зоол.* гадлар (сувда ва қуруқликда яшайдиган судралувчи ҳайвонлар); 2 *перен. прост. брак.* ярамас одам; ярамас, разил, қабиҳ.

ГАДА́ЛКА *ж, р. мн.* **-лок** фолбин хотин, ромчи.

ГАДА́ЛЬНЫ/Й, -ая, -ое фол очадиган; **~е ка́рты** фол очадиган карта.

ГАДА́ЛЬЩИК *м* фолбин, фол очувчи, ромчи.

ГАДА́ЛЬЩИЦА *ж то же, что* **гада́лка.**

ГАДА́НИЕ *с* 1 **гада́нье** фол очиш, ром очиш; **~ по руке́** қўлга қараб фол очиш; 2 фараз қилиш, тахминлаш, чамалаш, гумон қилиш; **тахми́н, фара́з, гумо́н.**

ГАДА́ТЕЛЬНЫ/Й, -ая, -ое; -лен, -льна 1 *то же, что* **гада́льный; ~е ка́рты** фол очадиган қарта; 2 чама билан белгиланган, фараз (гумон) қилинган, тахминий; шубҳали.

ГАДА́ТЬ *несов.* 1 *(сов.* **погада́ть***)* фол боқмоқ, ром очмоқ; **~ на ка́ртах** қартада фол очмоқ; 2 *о ком-чём разг.* фараз қилмоқ, тахминламоқ, чамаламоқ, гумон қилмоқ, ўйламоқ; **~ о** *чьих-л.* **наме́рениях** кимсанинг нияти ҳақида тахмин қилмоқ (уни бирор ниятда деб ўйламоқ); **не ду́мал и не гада́л** кутилмаганда; хаёлга ҳам келмаган эди; ✦ **~ на кофе́йной гу́ще** асоссиз тахмин (гумон) қилмоқ.

ГА́ДИНА *ж* 1 *разг. то же, что* **гад** 1; 2 *прост. брак.* ярамас одам; ярамас, разил, қабиҳ, ифлос.

ГА́ДИТЬ, га́жу, га́дишь *несов. (сов.* **нага́дить***)* 1 нажасламоқ, булғатмоқ (ҳайвонлар ҳақида); 2 *кому прост.* ёмонлик қилмоқ, зарар етказмоқ; расво қилмоқ.

ГА́ДК/ИЙ, -ая, -ое; -док, -дка́, -дко; га́же жуда ёмон, ярамас, разил, қабиҳ, ифлос; хунук; **~ий челове́к** жуда ёмон одам, ярамас одам; разил; **~ий посту́пок** ярамас иш, қабиҳ хатти-ҳаракат; **~ая пого́да** бемаза ҳаво; **~ий утёнок** хунук (иркит) ўрдакча.

ГА́ДЛИВОСТЬ *ж* жирканиш, нафратланиш ҳисси; ҳазар, нафрат; **вызыва́ть ~** жиркантирмоқ; нафрат қўзғатмоқ.

ГА́ДЛИВ/ЫЙ, -ая, -ое жирканиш ҳиссини ифодаловчи, нафратли; жирканадиган, ҳазар қиладиган; **ҳазарчи; ~ое чу́вство** жирканиш ҳисси; ҳазар.

ГА́ДОСТНЫЙ, -ая, -ое; -тен, -тна кишини жиркантирадиган, жирканч, разил, қабиҳ, ифлос, мурдор.

ГА́ДОСТ/Ь *ж разг* 1 ифлос, жирканч нарса; 2 *мн.* **~и** ярамас (расво) иш, ифлос гап, қабиҳ ҳаракат; қабоҳат, разолат, разиллик, қабиҳлик, ярамаслик, расволик; **говори́ть ~и** ифлос гапларни гапирмоқ; **де́лать ~и** разил (қабиҳ) ишлар қилмоқ, қабоҳат қилмоқ; **кака́я ~ь!** қандай ярамаслик!; қандай расволик!; қандай разолат!

ГА́ДЮКА *ж* 1 қора илон (япалоқ бошли заҳарли илон); 2 *прост. брак.* тили аччиқ ёмон одам; заҳар, қумрон.

ГА́ДЮЧ/ИЙ, -ья, -ье қора илонга оид, хос; қора илон...; **~ий уку́с** қора илоннинг чақиши; қора илон чаққан жой; **~ья ко́жа** қора илон териси.

ГАЕР *м уст.* масхарабоз, майнабоз, қизиқчи.

ГАЕ́РНИЧАТЬ *несов. то же, что* **га́ерствовать.**

ГАЕРСКИ/Й, -ая, -ое *уст.* масхарабозларга, қизиқчиларга хос бўлган, масхарабозларча, майнабозларча, қийшанғи; **~е вы́ходки** масхарабозларча ҳаракат, майнабозлик, тентаклик, қийшанглаш.

ГАЕ́РСТВО *с уст.* масхарабозлик, майнабозлик; тентаклик.

ГАЕ́РСТВОВАТЬ *несов. уст.* масхарабозлик қилмоқ, **тентаклик қилмоқ; қийшанглamoқ.**

www.ziyouz.com kutubxonasi

ГАЕЧН/ЫЙ, -ая, -ое гайкага оид; гайка...; **~ая резьба́** гайка резьбаси; **~ый ключ** гайка калити.

ГАЖЕ *см.* **га́дкий.**

ГАЗ I *м* **1** газ (модда); **ядови́тый ~** заҳарли газ; **2** газ (ёнилғи); **включи́ть ~** газ бермоқ, газни очмоқ; **3** *мн.* **~ы** ел, бод; ✦ **дать ~** *прост.* газ бермоқ, газ бериб тезлигини оширмоқ (автомашинанинг); **сба́вить** (или **сбро́сить**) **~** *прост.* газни камайтирмоқ, газни камайтириб секинлатмоқ (автомашинани); **на по́лном ~е (~у́)** *прост.* газни тўла очиб, охирги тезликда (автомашина ҳақида).

ГАЗ II *м* газ, юпқа, ҳарир газлама, ҳил-ҳила.

ГАЗАВА́Т *м* ғазот, ғазовот.

ГАЗГО́ЛЬДЕР *м тех.* газгольдер (газ тўпланадиган ва тақсимланадиган идиш).

ГАЗЕ́Л/ИЙ, -ья, -ье ғизолга (оҳуга) оид; ғизол...; оҳу...; **~ьи глаза́** 1) оҳунинг кўз(лар)и; оҳу кўз(ли) одам; 2) *перен.* катта чиройли кўзлар.

ГАЗЕ́ЛЬ I *ж* ғизол, оҳу.

ГАЗЕ́ЛЬ II *ж лит.* ғазал.

ГАЗЕ́ТА *ж* газета; ✦ **стенна́я ~** деворий газета.

ГАЗЕ́ТН/ЫЙ, -ая, -ое 1 газетада босилган, чиққан; газета...; **~ая статья́** газета мақоласи; газетада босилган мақола; **2** газета учун белгиланган, газетабоп; **~ая бума́га** газетабоп қоғоз, газета қоғози.

ГАЗЕ́ТЧИК *м* **1** *разг.* газетчи, газета ходими; **2** *уст.* газетачи, газета сотувчи.

ГАЗЕ́ТЧИЦА *ж см.* **газе́тчик.**

ГАЗИРО́ВАНН/ЫЙ, -ая, -ое 1 *прич. от* **гази́ровать; 2** *в знач. прил.* газланган, газли; **~ая вода́** газ(ли) сув.

ГАЗИ́РОВАТЬ *несов. что* газламоқ, газ билан тўйинтирмоқ.

ГАЗИРО́ВКА *ж* **1** *по гл.* **гази́ровать; 2** *разг.* газли сув.

ГАЗИФИКА́ЦИЯ *ж* **1** газификация, газга айлантириш (мас., тошкўмирни); **2** газлаштириш, газ билан таъминлаш, газ ёнилғига кўчириш; **~ промы́шленных предприя́тий** саноат корхоналарини газлаштириш.

ГАЗИФИЦИ́РОВАТЬ *сов.* и *несов. что* **1** газификация қилмоқ, газга айлантирмоқ; **~ торф** торфни газга айлантирмоқ; **2** газлаштирмоқ; газ билан таъминламоқ, газ ёнилғига кўчирмоқ; **~ кварти́ры** квартираларни газлаштирмоқ (газ билан таъминламоқ).

ГАЗОАНАЛИЗА́ТОР *м* газоанализатор, газ анализатори.

ГАЗОБАЛЛО́Н *м* газобаллон, газ баллони.

ГАЗОБЕТО́Н *м* газобетон (ғовак бетон).

ГАЗОВА́ТЬ, -зу́ю, -зу́ешь *несов. прост.* газ бермоқ, газ бериб тезлигини оширмоқ, тезлатмоқ (мас., автомашинани).

ГАЗОВЩИ́К *м, р.* **-а́** газчи (газификация корхонаси ходими; газлаштириш ишлари мутахассиси).

ГАЗО́В/ЫЙ I, -ая, -ое газ билан ишлайдиган; газ...; **~ое отопле́ние** газ билан иситиш; **~ый дви́гатель** газ двигатели; ✦ **~ая ре́зка** газ ёрдамида кесиш (металларни); **~ая сва́рка** газ билан пайвандлаш; газпайванд; **~ая ата́ка** газ юбориб ҳужум қилиш; газ юбориб қилинган ҳужум; **~ая война́** газ уруши (урушда заҳарловчи газ қўллаш, заҳарловчи газ юбориб урушиш); **~ая гангре́на** *мед.* анаэроб бактериялар юзага келтирадиган гангрена.

ГАЗО́В/ЫЙ II, -ая, -ое ҳаридан (газдан) тикилган; ҳарир...; газ...; **~ый шарф** ҳарир (газ) шарф; **~ое пла́тье** ҳарир (газ) кўйлак.

ГАЗОГЕНЕ́РАТОР *м* газогенератор (ёнувчи газ ишлаб чиқарадиган қурилма).

ГАЗОГЕНЕРА́ТОРН/ЫЙ, -ая, -ое 1 газогенераторга оид; газогенераторда ишлаб чиқарилган; газогенератор...; **~ый газ** газогенератор гази; **~ая установка́** газогенератор қурилмаси; **2** газогенератор ўрнатилган, газогенераторли; **~ый автомоби́ль** газогенераторли автомобиль.

ГАЗОКАЛИЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое газ билан қиздириладиган, газ билан иситиладиган, газли; **газ...; ~ая ла́мпа** газ билан ёнадиган лампа, газ лампа.

ГАЗОЛИ́Н *м* газолин (нефтдан олинадиган ёнилғи тури).

ГАЗОЛИ́НОВЫЙ, -ая, -ое газолин билан ишлайдиган; газолин...; **~ дви́гатель** газолин двигатель.

ГАЗО́МЕР *м* **газомер, газ ўлчагич.**

ГАЗО́МЕТР *м тех.* газометр (газ йиғиш, сақлаш ва тақсимлаш ўчун махсус идиш, бак).

ГАЗО́Н *м* газон, майсазор (парк, боғ, ҳовли ва ш. к. жойларда).

ГАЗОНЕПРОНИЦА́ЕМОСТЬ *ж* газни ўтказмаслик.

ГАЗОНЕПРОНИЦА́ЕМЫЙ, -ая, -ое газ ўтказмайдиган, газ ўтмайдиган.

ГАЗОНО́СНОСТЬ *ж* (табиий) газга бойлик; **~ пласта́** қатламнинг газга бойлиги.

ГАЗОНО́СНЫЙ, -ая, -ое; -сен, -сна табиий газга бой; газли; **~ пласт** газли қатлам, табиий газга бой қатлам.

ГАЗООБМЕ́Н *м* газ алмашинуви (организмда).

ГАЗООБРА́ЗН/ЫЙ, -ая, -ое; -зен, -зна газсимон, газ ҳолидаги; газ...; **~ое вещество́** газсимон модда; **~ое состоя́ние** газ ҳолати.

ГАЗООБРАЗОВА́НИЕ *с* газ ҳосил бўлиши; газ ҳосил қилиш.

ГАЗОПРОВО́Д *м* газопровод, газ қувур.

ГАЗОПРОНИЦА́ЕМОСТЬ *ж* газни ўтказиш; газ ўтказувчанлик.

ГАЗОПРОНИЦА́ЕМЫЙ, -ая, -ое газ ўтадиган; газни ўтказувчи.

ГАЗОСВА́РКА *ж* газпайванд; газ билан пайвандлаш.

ГАЗОСВА́РОЧНЫЙ, -ая, -ое газ билан пайвандлайдиган; газ билан пайвандлаш...; **~ аппара́т** газ билан пайвандлаш аппарати.

ГАЗОСВА́РЩИК *м* газпайвандчи, газ билан пайвандловчи ишчи.

ГАЗОУБЕ́ЖИЩЕ *с* газпаноҳгоҳ (газдан яширинадиган жой).

ГАЗОХРАНИ́ЛИЩЕ *с* газ омбори, газхона, газ сақланадиган жой, идиш.

ГАЙ *м обл.* кичкина ўрмон, дарахтзор.

ГАЙДАМА́К *м* гайдамак (1 17—18-асрларда Украинада поляк помешчикларига карши курашда қатнашган казак; 2 Украинада гражданлар урушида контрреволюцион отряд қатнашчиси).

ГАЙДАМА́ЦКИЙ, -ая, -ое гайдамакларга оид, гайдамакчи; гайдамак(лар)...

ГАЙДУ́К *м, р.* **-а́** гайдук (1 Болқон ярим оролида ва Венгрияда турк султонларининг истибдодига қарши курашган қўзғолончи-партизан; 2 крепостнойлик даврида сайёр малай).

ГА́ЙК/А *ж, р. мн.* **га́ек** гайка; ✦ **~а слаба́** *у кого прост.* гайкаси бўш (қўлидан келмайди, қўли қисқа); **~и закрути́ть** *прост.* танобини тортиб қўймоқ, талабни кучайтирмоқ.

ГАЙМОРИ́Т *м мед.* гайморит (гаймор бўшлиғининг яллиғланиши); *см.* **га́йморов.**

ГА́ЙМОРОВ: ~а по́лость *анат.* гаймор бўшлиғи (юқори жағ суягининг бурун бўшлиғига туташ бўшлиғи).

ГАК I *м мор.* гак (пўлат илмоқ).

ГАК II: с ~ом *прост.* ортиғи билан, ортиқроқ; **пять киломе́тров с ~ом** беш километрдан ортиқроқ.

ГАЛА́КТИКА *ж* галактика (Қуёш системасини ўз ичига олган юлдузлар системаси, Somon йўли).

ГАЛАКТИ́ЧЕСКИ/Й, -ая, -ое галактикага, Somon йўлига оид; галактик; галактика...; **~е тума́нности** галактик туманликлар; галактика туманликлари.

ГАЛАНТЕРЕ́ЙН/ЫЙ, -ая, -ое 1 галантереяга оид; галантерея...; атторлик...; **~ые това́ры** галантерея (атторлик) моллари; **~ый отде́л универма́га** универмагнинг галантерея моллари бўлими; **2** *перен. разг. уст. ирон.* ортиқ даражада хушмуомала, назокатли, мулойим; **~ое обраще́ние (обхожде́ние)** ортиқ хушмуомалалик, мулойимлик.

ГАЛАНТЕРЕ́Я *ж собир.* галантерея, атторлик моллари.

ГАЛА́НТНО *нареч.* хушмуомалалик билан, одоб-назокат билан; **~ раскла́няться** одоб-назокат билан хайр-хўшлашмоқ.

ГАЛА́НТНОСТЬ *ж* хушмуомалалик, одоблилик; одоб, назокат.

ГАЛА́НТНЫЙ, -ая, -ое; **-тен, -тна** хушмуомала, одобли, назокатли; **~ молодо́й челове́к** хушмуомала (одоб-назокатли) йигит.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ГАЛДЁЖ *м, р.* **-дежа́** *прост.* ғовур-ғувур, шовқин-сурон, ғавғо, чуғур-чуғур; **подня́лся ~** ғовур-ғувур кўтарилди (бошланди).

ГАЛДЕ́ТЬ, -ди́шь *несов. прост.* шовқин-сурон қилмоқ, ғовур-ғувур қилмоқ, чуғурлашмоқ, чувуллашмоқ.

ГАЛЕ́РА *ж* галера (19-асргача: кўп эшкакли кема).

ГАЛЕРЕ́Я *ж* галерея (1 биноларни бирлаштирувчи узун, тор йўлак; бино олдидаги узун айвон, балкон; **кры́тая ~** усти берк галерея, тим; 2 театр залида юқори қават, юқори ярус; 3 ер ости йўли; 4 махсус музей; **карти́нная ~** суратлар галереяси; 5 *перен. чего* қатор тизилган нарса, **силсила; ~ о́бразов** образлар галереяси; қатор образлар).

ГАЛЕ́РКА *ж разг. то же, что* **галере́я** 2.

ГАЛЕ́ТА *ж* галета (қотирилган кулча нон ёки печенье).

ГАЛЕ́ЧНИК *м* тошқотишма (шағал ва б. қотишмасидан иборат тоғ жинси).

ГАЛЕ́ЧН/ЫЙ, -ая, -ое *прил. от* **га́лька** шағалга оид, шағалдан иборат бўлган; шағал босган, шағал билан қопланган, шағалли; **~ый пляж** шағал билан қопланган пляж.

ГАЛИМА́ТЬ/Я *ж разг.* тутуриқсиз гап, бемаъни (ватакути) гап, сафсата; **нести́ ~ю** вайсамоқ, сафсата сотмоқ, тутуриқсиз гап қилмоқ.

ГАЛИФЕ́ *мн. нескл.* галифе, ёни чиққан шим.

ГА́ЛКА *ж, р. мн.* **-лок** зоғча; ✦ **счита́ть га́лок** (или **воро́н**) 1) анграймоқ, анқовлик қилмоқ; 2) бекор юрмоқ, умрини бекор ўтказмоқ, тоқи санаб ётмоқ.

ГАЛЛ *м* галл; *см.* **га́ллы.**

ГАЛЛИЦИ́ЗМ *м лингв.* галлицизм (француз тилидан қабул қилинган ёхуд унга тақлид қилиб тузилган сўз ёки ибора).

ГАЛЛОМА́Н *м уст.* галломан, француспараст, француслар ихлосманди.

ГАЛЛОМА́НИЯ *ж уст.* галломания, француспарастлик, французларга ихлосмандлик.

ГАЛЛО́Н *м* галлон (Англияда, АҚШда: суюқ ва сочилма жисмлар учун 4,54 литрли ўлчов бирлиги).

ГА́ЛЛЫ *мн. (ед.* **галл** *м)* галлар (ҳозирги Франция территориясида яшаган қадимги халқ номи).

ГА́ЛЛЬСКИ/Й, -ая, -ое гал(лар)га оид, галл...; **~й язы́к** галлар тили; **~е племена́** галл қабилалари.

ГАЛЛЮЦИНА́ЦИЯ *ж* галлюцинация (йўқ нарсаларнинг кўриниши, эшитилиши, сезилиши).

ГАЛЛЮЦИНИ́РОВАТЬ *несов.* галлюцинацияга учрамоқ (йўқ нарсаларни кўрмоқ, эшитмоқ, сезмоқ).

ГАЛОГЕ́ННЫЙ, -ая, -ое *хим.* галогенларга оид; галоген(лар)...

ГАЛОГЕ́НЫ *мн. (ед.* **галоге́н** *м) хим.* галогенлар (хлор, бром, йод ва фтордан иборат химиявий элементлар группаси).

ГАЛО́ИДНЫЙ, -ая, -ое *то же, что* **галоге́нный.**

ГАЛО́ИДЫ *мн. (ед.* **гало́ид** *м) то же, что* **галоге́ны.**

ГАЛО́П *м* 1 сакраб чопиш, елиш (от ҳақида); **пусти́ть коня́ в ~** отни қўймоқ, елдирмоқ; 2 галоп (қадимги шўх рақс ва унинг куйи).

ГАЛОПИ́РОВАТЬ *несов.* отни қўймоқ, елдирмоқ; елмоқ, учмоқ (от ҳақида).

ГАЛО́ПОМ *нареч.* 1 отни қўйиб, елдириб; **пусти́ть ло́шадь ~** отни қўймоқ, елдирмоқ; 2 *перен.* тез, ғириллаб; **события пошли́ ~** ҳодисалар ғириллаб ўтиб борар эди.

ГАЛО́Ч/ИЙ, -ья, -ье *прил. от* **га́лка** зоғчага оид; зоғча...; **~ьи кри́ки** зоғчаларнинг чағиллаши; **~ье гнездо́** зоғча ини, уяси.

ГА́ЛОЧК/А *ж, р. мн.* **-чек** 1 *уменьш.-ласк. от* **га́лка;** 2 *разг.* галочка, птичка (римча V рақами шаклидаги белги); **ста́вить ~и на поля́х кни́ги** китоб ҳошиясига галочкалар қўймоқ; ✦ **для ~и** форма учун, ҳисобот учун, ҳўжа кўрсинга.

ГАЛО́Ш/И *мн. (ед.* **гало́ша** *ж)* калиш; ✦ **посади́ть в ~у** *разг.* ўтирғизиб қўймоқ, ўсал қилмоқ; **сесть в ~у** *разг.* ўсал бўлмоқ.

ГАЛО́ШНЫЙ, -ая, -ое калишга оид; калиш...; **~цех** калиш цехи.

ГАЛС *м мор.* галс (кеманинг шамолга нисбатан йўналиши); **пра́вый ~** ўнг галс (бунда шамол ўнг томондан эсади); **ле́вый ~** чап галс (бунда шамол чап томондан эсади); **переме́нить ~** галсни (шамолга нисбатан кема йўналишини) ўзгартирмоқ.

ГАЛСТУ́К *м* галстук; бўйинбоғ (*эск.*); **пионе́рский (или кра́сный) ~** пионерлар галстуги; ✦ **заложи́ть (или зали́ть) за ~** *прост. шутл.* спиртли ичимлик ичмоқ, (ичкилик) отиб олмоқ.

ГАЛСТУ́ЧНЫЙ, -ая, -ое галстукка оид; галстукбоп; галстук...

ГАЛУ́Н *м, р.* **-а́** галун, уқа; **золоты́е ~ы́** зар уқа.

ГАЛУ́ШКИ *мн. р.* **-шек** *(ед.* **галу́шка** *ж)* узма, чўмор (шўрва ёки сутда пиширилади ган украинча хамир овқат).

ГАЛЧО́НОК *м, р.* **-нка, мн. -ча́та** зоғча боласи.

ГАЛЬВАНИЗА́ЦИЯ *ж* гальванизация, гальванизациялаш (1 *мед.* гальвани токи билан даволаш; 2 *тех.* гальвани токи ёрдамида бирор металлнинг сиртини бошқа металл билан қоплаш).

ГАЛЬВАНИЗИ́РОВАТЬ *сов.* и *несов. кого-что* гальванизацияламоқ, гальванизация қилмоқ; ✦ **~ труп** *книжн. ирон.* бўлмайдиган ёки қолиб кетган ишни жонлантиришга, тирилтиришга уринмоқ.

ГАЛЬВАНИ́ЧЕСКИ/Й, -ая, -ое гальваник, гальвани...; **~е элеме́нты** гальвани элементлари; **~й ток** гальвани токи.

ГАЛЬВАНО́МЕТР *м* гальванометр.

ГАЛЬВАНОПЛА́СТИКА *ж* гальванопластика (нарсалардан нусха олиш учун уларнинг юзига металл қоплаш; шу усул билан металл клише ясаш).

ГАЛЬВАНОСКО́П *м* гальваноскоп.

ГАЛЬВАНОТЕ́ХНИКА *ж* гальванотехника (электрохимиянинг саноатда электролиз усулидан фойдаланиш масалалари билан шуғулланувчи бўлими).

ГА́ЛЬКА *ж, р. мн.* **-лек** шағал, майда тош; **морска́я ~** денгиз шағали.

ГАМ *м разг.* шовқин-сурон, шов-шув, қий-чув.

ГАМАДРИ́Л *м* гамадрил (йирик маймунларнинг бир тури).

ГАМА́К *м, р.* **-а́** гамак, тўр беланчак; **отдыха́ть в ~е́** гамакда ётиб дам олмоқ.

ГАМА́ШИ *мн. (ед* **гама́ша** *ж)* гамаш (болдирдан товонгача қоплаб турадиган, оёқ кийим устидан тушириб кийиладиган иссиқ пайпоқ).

ГАМБИ́Т *м шахм.* гамбит (шахматда: тезроқ ҳужумга ўтиш учун бирор донани қурбон бериб ўйин бошлаш); **фе́рзевый ~** фарзин гамбити (фарзин олдидаги пиёдани қурбон бериб ўйин бошлаш).

ГА́ММА I *ж* гамма (1 *муз.* бир пардадан кўтарилиб ёки тушиб борувчи товушлар мажмуи; **мажо́рная ~** мажор гамма; 2 *перен. чего* ўзаро уйғун ҳодисалар, сифатлар сираси; **~ кра́сок** бўёқлар гаммаси).

ГА́ММА II *ж* гамма (юнон алфавитининг учинчи ҳарфи); ✦ **~-лучи́** *физ.* гамма-нурлар; **~-излуче́ние** *физ.* гамма-нурланиш, электромагнитик нурланиш.

ГАНГРЕ́НА *ж мед.* гангрена, қорасон.

ГАНГРЕНО́ЗНЫЙ, -ая, -ое *мед.* гангренага оид; гангренага, қорасон касаллигига дучор бўлган, гангрена...; қорасон...; **~ больно́й** гангренага дучор бўлган бемор; **~ проце́сс** гангрена процесси.

ГА́НГСТЕР *м* гангстер (АҚШда: бандит, босқинчилар тўдасининг аъзоси).

ГАНГСТЕРИ́ЗМ *м* гангстеризм, гангстерлик; **полити́ческий ~** *перен.* сиёсий гангстерлик.

ГА́НГСТЕРСКИЙ, -ая, -ое гангстерларга хос бўлган, бандитларча; гангстер(лар)...

ГАНДБО́Л *м* гандбол, қўл тўпи ўйини.

ГАНДБОЛИ́СТ *м* гандболчи.

ГАНДБОЛИ́СТКА *ж, р. мн.* **-ток** гандболчи аёл.

ГАНДБО́ЛЬНЫЙ, -ая, -ое гандболга оид; гандбол...; **~ мяч** гандбол тўпи.

ГАНДИКА́П *м спорт.* 1 гандикап (ўйинда, мусобақаларда кучсизроқ томонга енгиллик, жанда бериб кучларни бараварлаш); 2 аралаш пойга, оломон пойга.

ГА́НЕЦ *м, р.* **-нца** ганалик; *см.* **га́нцы.**

ГА́НКА *ж, р. мн.* **-нок** ганалик аёл; *см.* **га́нцы.**

ГА́НСКИ/Й, -ая, -ое Ганага ва ганаликларга оид; Гана...; ганалик(лар)...; **~й студе́нт** ганалик студент; **~е ва́дебные обря́ды** ганаликларнинг тўй маросимлари.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ГАНЦЫ *мн. (ед.* **га́нец** *м,* **га́нка** *ж)* Гана ҳалқи, ганаликлар.

ГАНТЕ́ЛЬ *ж спорт.* гантель (икки учи юмалоқ тош шаклидаги қўл гимнастикаси асбоби); **упражне́ния с ~ями** гантель билан қилинадиган машқлар.

ГАОЛЯН *м бот.* хитой (ёки манжурия) қўноғи.

ГАРА́Ж *ж, р.* **-а́** гараж.

ГАРА́ЖН/ЫЙ, -ая, -ое гаражга оид, гараж...; **~ое обору́дование** гараж асбоб-ускуналари.

ГАРА́НТ *м юр.* гарантия берган (кафиллигини олган) шахс, идора, давлат; кафил.

ГАРАНТИ́ЙН/ЫЙ, -ая, -ое гарантияли, ишончли; гарантия...; кафолат...; **~ый догово́р** гарантияли шартнома; **~ое письмо́** кафолат хати; **~ый срок** гарантия муддати.

ГАРАНТИ́РОВАННЫЙ, -ая, -ое 1 *прич. от* **гаранти́ровать;** 2 *в знач. прил.* гарантияланган, кафиллиги олинган, гарантияли; **~ ремо́нт** гарантияли ремонт; **~ за́работок** гарантияланган иш ҳақи; **~ урожа́й** гарантияланган (таъминланган) ҳосил.

ГАРА́НТИРОВАТЬ *сов. и несов.* 1 *что* гарантияламоқ, гарантия бермоқ; гаровини, кафиллигини олмоқ, ишонтирмоқ, кафил бўлмоқ; **~ ка́чество проду́кции** маҳсулот сифатини гарантияламоқ; маҳсулотнинг сифатли бўлишига гарантия (кафиллик) бермоқ; 2 *кого-что от чего* таъмин этмоқ, ҳимоя қилмоқ, сақламоқ; **~ от случа́йностей** тасодифлардан сақламоқ.

ГАРА́НТИ/Я *ж* гарантия, кафолат, кафиллик, гаров; таъмин этиш, ишонч; **ба́нковская ~я** банк гарантияси, банкнинг кафолати; **~я безопа́сности** хавфсизлик гарови; **~я успе́ха** ютуқ гарови; **часы́ с ~ей** гарантияли соат; **служи́ть ~ей** гарови бўлиб хизмат қилмоқ; гаров бўлмоқ; **дать ~ю** гарантия бермоқ; гаровини, кафиллигини олмоқ, кафиллик бермоқ.

ГАРДЕМАРИ́Н *м* гардемарин (чор Россиясида: ҳарбий-денгиз корпусининг юқори синф ўқувчиси; шунингдек, флотда мичмандан қуйи унвон); **отря́д ~ов** гардемаринлар отряди.

ГАРДЕМАРИ́НСКИ/Й, -ая, -ое гардемарин(лар)га оид; гардемарин...

ГАРДЕРО́Б *м* гардероб (1 кийим шкафи; 2 жамоат уйларида: гардеробхона: 3 гардероб, бир кишига тегишли кийим-кечак, уст-бош; **~ арти́стки** артистканинг гардероби, кийим-кечаги; **обнови́ть свой ~** ўз либосини, кийим-кечагини янгиламоқ, ўзгартмоқ).

ГАРДЕРО́БНАЯ *ж, р.* **-ой** *уст. то же, что* **гардеро́б** 2.

ГАРДЕРО́БН/ЫЙ, -ая, -ое гардеробга оид; гардероб...; **~ая дверь** гардероб эшиги.

ГАРДЕРО́БЩИК *м* гардеробчи (гардероб хизматчиси).

ГАРДЕРО́БЩИЦА *ж см.* **гардеро́бщик.**

ГАРДИ́НА *ж* гардина, дераза пардаси.

ГАРДИ́ННЫЙ, -ая, -ое гардинабоп, пардабоп; гардина...; парда...; **~ тюль** гардинабоп (пардабоп) тўр.

ГАРЕВО́Й, -а́я, -о́е и **ГА́РЕВ/ЫЙ, -ая, -ое** *прил. от* **гарь** 1 куйиндига оид; куйинди...; 2 куйинди (тошкўмир хокаси) сепилган, ётқизилган; **~ая доро́жка** тошкўмир хокаси ётқизилган йўлка (югуриш ва бошқа мусобақалар учун).

ГАРЕ́М *м* 1 ҳарам, ҳарамхона; 2 *собир.* ҳарам аҳли; хонлар ёки катта бойларнинг хотинлари.

ГАРЕ́МНЫЙ, -ая, -ое ҳарамхонага, ҳарамга оид; ҳарам...

ГАРКА́ТЬ *несов.* (*сов.* **га́ркнуть**) *прост.* 1 бор овоз билан қичқирмоқ, бақирмоқ, шанғилламоқ; 2 бақириб дўқ урмоқ, пўписа қилмоқ, кекирдак чўзмоқ.

ГА́РКНУТЬ *сов. и однокр. см.* **га́ркать.**

ГАРМОНИЗА́ЦИЯ *ж муз.* гармонизация, уйғунлаштириш.

ГАРМОНИЗИ́РОВАТЬ *сов. и несов. что муз.* гармонизацияламоқ, уйғунлаштирмоқ (музика асари қисмларини гармония қоидаларига мувофиқ мослаштирмоқ, оҳангдош қилиб тузмоқ).

ГАРМО́НИК/А *ж* 1 *то же, что* **гармо́нь;** 2 *в знач. нареч.* **~ой, в ~у** *разг.* гармонга ўхшатиб, қат-қат қилиб, бурма, бурмачак; **сложи́ть лист бума́ги ~ой** қоғоз варағини гармонга ўхшатиб (қат-қат қилиб) букмоқ; ✦ **губна́я ~а** **нарма.**

ГАРМОНИ́Р/ОВАТЬ *несов. с чем* уйғун (мос) бўлмоқ; ҳамоҳанг (оҳангдош) бўлмоқ; мувофиқ (мос, монанд, тўғри) келмоқ; ярашмоқ; **его́ слова́ ~уют с посту́пками** унинг сўзлари ишлари билан мос (монанд) келади.

ГАРМОНИ́СТ *м* 1 гармончи, гармонь чалувчи; 2 *муз.* гармония мутахассиси.

ГАРМОНИ́ЧЕСК/ИЙ, -ая, -ое 1 гармонияга оид; гармония принципларига асосланган; 2 *то же, что* **гармони́чный;** 3 гармоник, уйғун; **~ое разви́тие ли́чности** шахснинг гармоник (равишда) ҳар тарафлама ривожланиши.

ГАРМОНИ́ЧНОСТЬ *ж* 1 ўзаро мослик, монандлик, мувофиқлик, уйғунлик; 2 ҳамоҳанглик, оҳангдошлик.

ГАРМОНИ́ЧНЫ/Й, -ая, -ое; -чен, -чна 1 ўзаро мос, монанд, мувофиқ, уйғун; бир-бирига тўғри келадиган; **~е кра́ски** бир-бирига тўғри келадиган (мос бўлиб тушган) бўёқлар, хилланган бўёқлар; 2 оҳангдош, ҳамоҳанг; **~е зву́ки** оҳангдош товушлар.

ГАРМО́НИЯ *ж* 1 гармония (музика назарияси бўлими); 2 гармония, ўзаро мослик, монандлик, мувофиқлик, уйғунлик, бир-бирига тўғри келиш; хил тушиш, хиллик; **~ кра́сок** бўёқларнинг ўзаро мослиги, бўёқлар уйғунлиги, хиллиги; **~ интере́сов** манфаатларнинг бирлиги, мувофиқлиги; ✦ **~ гла́сных** *лингв.* унлилар гармонияси, унлилар оҳангдошлиги.

ГАРМО́НЬ *ж разг.* гармонь, гармоника.

ГАРМО́ШК/А *ж, р. мн.* **-шек** *разг.* 1 гармонь, гармоника; 2 *в знач. нареч.* **~ой, в ~у** *то же, что* **гармо́никой** *см.* **гармо́ника; сложи́ть ~ой** гармонга ўхшатиб (қат-қат қилиб) букмоқ.

ГА́РНЕЦ *м, р.* **-нца** гарнец (3,28 л га тенг қадимги ҳажм ўлчов бирлиги).

ГА́РНИЗОН *м* гарнизон; **~ кре́пости** қалъа гарнизони; **~ го́рода** шаҳар гарнизони.

ГАРНИЗО́ННЫЙ, -ая, -ое гарнизонга оид, гарнизон...; **~ая слу́жба** гарнизон хизмати.

ГА́РНИР *м* гарнир; **котле́ты с ~ом** гарнирли котлет.

ГА́РНИРОВАТЬ *сов. и несов. что* гарнирламоқ, гарнир қўшмоқ, гарнир солмоқ.

ГАРНИТУ́Р *м* гарнитур (нарсаларнинг тўла комплекти); **~ ме́бели** мебель гарнитури; **~ бель я́** бир сидра ички кийим.

ГА́РНЦЕВЫЙ: ~ сбор тегирмон ҳақи.

ГА́РН/ЫЙ, -ая, -ое *уст.* ёқиш (ёндириш) учун белгиланган, ёқиладиган; **~ое ма́сло** ёқиладиган мой; чироқ мойи.

ГА́РПИЯ *м миф.* довул қуши (аёл бошли йиртқич қуш қиёфасидаги довул илоҳаси).

ГАРПУ́Н *м, р.* **-а́** гарпун (катта балиқларни овлашда отиладиган узун найза); **бить ~о́м** гарпун отиб овламоқ (балиқни).

ГАРПУНЕ́Р *м то же, что* **гарпу́нщик.**

ГАРПУНИ́ТЬ *несов. кого-что* гарпун отмоқ, гарпун отиб ов қилмоқ.

ГАРПУ́НН/ЫЙ, -ая, -ое гарпунга оид; гарпун отадиган; гарпун...; **~ый трос** гарпун троси (гарпун боғланадиган арқон); **~ая пу́шка** гарпун отадиган тўп.

ГАРПУ́НЩИК *м* гарпун отувчи, гарпунчи.

ГАРСО́Н *м* гарсон (баъзи чет эл ресторанларида: официант; меҳмонхоналарда: югурдак бола).

ГАРТ *м полигр.* гарт (ҳарф тайёрлаш учун ишлатиладиган материал, қўрғошин, қалай ва сурма қотишмаси).

ГА́РУС *м* гарус (1 майин жундан эшилган ип; 2 жунга ўхшаш ип газлама).

ГАРЦЕВА́ТЬ, -цу́ю, -цу́ешь *несов.* от **ўйна́тиб** юрмоқ, отни гижинглатмоқ; отда жавлон қилмоқ.

ГА́РШНЕП *м* беданамашак (қуш).

ГАР/Ь *ж* 1 куйган нарса, куйинди, жизғин; **за́пах ~и** куйинди (жизғин) ҳиди; 2 ёниб тушган кўмир қолдиғи; кўмир хокаси; **посы́пать доро́жки ~ью** йўлкаларга кўмир хокаси сепмоқ; 3 ўт кетган ўрмон қолдиғи.

ГАСИ́ЛЬНИК *м уст.* ўчирғич (лампа, фонарь, шамчироқ ва ш. к. ни ўчирадиган мослама).

ГАСИ́ТЕЛ/Ь *м* 1 *тех.* ўчиргич, сўндиргич; **~ колеба́ний** тебранишлар сўндиргичи; 2 *перен. уст.* **тўсқинлик қилувчи** (ғов солувчи) одам, бўғувчи; **~и просвеще́ния** маърифатни бўғувчилар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ГАСИ́ТЬ, гашу́, га́сишь *несов. (сов.* **погаси́ть**) *что* 1 *(сов. также* **загаси́ть**) ўчирмоқ, сўндирмоқ; ~ **свечу́** шамни ўчирмоқ; 2 *перен.* тўсқинлик қилмоқ, ғов солмоқ, сўндирмоқ, бўғмоқ; ~ **твóрческие порывы** ижодий интилишларни бўғиб қўймоқ; 3 *спец.* сўндирмоқ, ўчирмоқ, узмоқ; ~ **звук** товушни ўчирмоқ; овозини йўқ қилмоқ; ~ **скóрость** тезлигини пасайтирмоқ; 4 бекор қилмоқ, ўтмайдиган қилмоқ; тўламоқ, узмоқ; ~ **почтóвую мáрку** почта маркасига печать урмоқ; ~ **стáрые долги́** эски қарзларни тўламоқ, эски қарзларни узмоқ; ✦ ~ **и́звесть** оҳакни ўлдирмоқ, очтирмоқ; ~ **мяч** *спорт.* тўпни қайтариб бўлмайдиган қилиб урмоқ (волейбол ўйинида).

ГАСН/УТЬ, -нет; гас и **га́снул, га́сла** *несов. (сов.* **пога́снуть**) 1 ўчмоқ, сўнмоқ; **ого́нь** ~**ет** олов ўчаётир; **звёзды** ~**ут** юлдузлар сўнмоқда (сўнаётир); **день** ~**ет** кун ботаётир; 2 *перен.* кучсизлашмоқ, заифлашмоқ; йўқолмоқ; сўлмоқ; **си́лы** ~**ут** куч (дармон) кетяпти; **наде́жды** ~**ут** умид қолмаяпти (йўқоляпти, узиляпти).

ГАСТРИ́Т *м мед.* гастрит (ошқозон шиллиқ пардаларининг яллиғланиши).

ГАСТРИ́ЧЕСК/ИЙ, -ая, -ое гастрит касаллиги билан боғлиқ бўлган; гастрит...; ~**ая лихора́дка** гастрит иситмаси; ~**ое заболева́ние** гастрит касаллиги.

ГАСТРОЛЁР *м* 1 гастролёр (гастролдаги артист); 2 *перен. разг.* гастролёр, учар (иш жойини тез-тез ўзгартириб турувчи, қўнимсиз одам); **нам не нужны́** ~**ы** бизга учарлар керак эмас.

ГАСТРОЛЁРСТВО *с* 1 гастролларда бўлиб, гастроллар бериш; 2 *перен. разг.* ишдан-ишга кўчиб юриш, қўнимсизлик, учарлик.

ГАСТРОЛЁРША *ж прост. см.* **гастролёр.**

ГАСТРОЛИ *мн. (ед.* **гастро́ль** *ж)* гастроллар (сафардаги спектакллар, томошалар); ~ **столи́чного теа́тра** пойтахт театри гастроллари; **вы́ехать на** ~ гастролга чиқмоқ.

ГАСТРОЛИ́РОВАТЬ *несов.* 1 гастролга чиқмоқ (бормоқ); гастроль бермоқ; 2 *перен. разг.* гастролёр бўлиб (ишдан ишга сакраб) юрмоқ, ишда қўниш топмаслик, учарлик.

ГАСТРО́ЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое гастроль билан боғлиқ бўлган; гастролдаги; гастроль...; ~**ая пое́здка** гастролга бориш; гастроль сафари; ~**ый спектáкль** гастроль спектакли.

ГАСТРО́НОМ *м* 1 овқат шинавандаси; 2 гастроном, гастрономия магазини.

ГАСТРОНОМИ́ЧЕСКИЙ, -ая, -ое гастрономияга оид; гастрономия...; ~ **магази́н** гастрономия магазини, гастроном.

ГАСТРОНО́МИЯ *ж* 1 овқатга шинавандалик; 2 гастрономия, озиқ-овқат масаллиқлари, маҳсулотлари; **ры́бная** ~ балиқ масаллиқлари.

ГАТИ́ТЬ, гачу́, гати́шь *несов. (сов.* **загати́ть**) *что спец.* шох тўшамоқ, шох-шабба, хода ётқизиб йўл солмоқ (очмоқ); ~ **боло́то** ботқоқликка шох-шабба, хода ётқизиб йўл солмоқ (очмоқ).

ГАТЬ *ж* тўшама йўл (шох-шабба, хода ётқизиб очилган йўл).

ГАУБИЦА *ж* гаубица; тўп; **лёгкая** ~ енгил гаубица; **тяжёлая** ~ оғир гаубица.

ГАУБИЧН/ЫЙ, -ая, -ое гаубицага оид; гаубица(лар)...; ~**ый ствол** гаубица стволи; ~**ая батаре́я** гаубицалар батареяси; **откры́ть** ~**ый ого́нь** гаубица(лар)дан ўт очмоқ.

ГАУПТВАХТА *ж* 1 гауптвахта, авахта, ички қамоқ; 2 *уст.* қоровулхона.

ГАУСС *м физ.* гаусс (магнит индукцияси бирлиги).

ГАФЕЛЬ *м мор.* гафель (елкан ёғочи).

ГАФНИЙ *м* гафний (химиявий элемент).

ГАШЕ́НИЕ *с по гл.* **гаси́ть**; ~ **и́звести** оҳакни ўлдириш (очириш), сўндириш.

ГАШЕ́Н/ЫЙ: ~**ая и́звесть** ўлдирилган, сўндирилган (очирилган) оҳак.

ГАШЕ́ТК/А *ж, р. мн.* **-ток** тепки, кулангир (милтиқда); **нажа́ть на** ~**у** тепкини босмоқ.

ГАШИ́Ш *м* наша; **кури́ть** ~ наша чекмоқ.

ГАЩИВАТЬ *несов. многокр. разг. см.* **гости́ть.**

ГВАЛТ *м разг.* шовқин-сурон, ғавғо, ола-ғовур, қийчув; **подня́ть** ~ шовқин-сурон кўтармоқ.

ГВАРДЕ́ЕЦ *м, р.* **-е́йца** гвардиячи, гвардиячи қисмларда хизмат қилган, қилувчи (солдат, офицер).

ГВАРДЕ́ЙСК/ИЙ, -ая, -ое гвардияга оид, хос ёки мансуб бўлган, гвардиячи; гвардиячи(лар)...; гвардия...; ~**ая диви́зия** гвардияча дивизия; гвардиячилар дивизияси; ~**ое зна́мя** гвардия байроғи.

ГВАРДИ/Я *ж* гвардия; ~**и капита́н** гвардия капитани; гвардиячи капитан; ✦ **Кра́сная** ~**я** *ист.* Қизил гвардиячи (1905—1907 ва 1917—1918 йилларда тузилган жанговар ишчилар отрядлари); **ста́рая** ~**я** кекса гвардия (иш кўрсатган, синалган арбоблар, тажрибакор ходимлар); **молода́я** ~**я** ёш гвардия (жамоат ишларида актив иштирок этувчи ёшлар гуруҳи); **бе́лая** ~**я** оқ гвардия (Граждалар уруши давридаги контрреволюцион қўшинларнинг умумий номи).

ГВАТЕМА́ЛЕЦ *м, р.* **-льца** гватемалалик киши, гватемалка; *см.* **гватема́льцы.**

ГВАТЕМА́ЛКА *ж, р. мн.* **-лок** гватемалалик аёл, гватемалка; *см.* **гватема́льцы.**

ГВАТЕМА́ЛЬСКИЙ, -ая, -ое Гватемалага ва гватемалларга оид, гватемалча; Гватемала...; гватемаллар...

ГВАТЕМА́ЛЬЦЫ *мн. (ед.* **гватема́лец** *м,* **гватема́лка** *ж)* гватемаллар, гватемалаликлар, Гватемала халқлари.

ГВАЮ́ЛА *ж* гваюла (каучукли доим яшил бута ўсимлик).

ГВИНЕ́ЕЦ *м, р.* **-е́йца** гвинеялик; *см.* **гвине́йцы.**

ГВИНЕ́ЙКА *ж, р. мн.* **-е́ек** гвинеялик аёл; *см.* **гвине́йцы.**

ГВИНЕ́ЙСКИЙ, -ая, -ое Гвинеяга ва гвинеяликларга оид; Гвинея...; гвинеяликлар...; ~ **наро́д** гвинея халқи.

ГВИНЕ́ЙЦЫ *мн. (ед.* **гвине́ец** *м,* **гвине́йка** *ж)* гвинеяликлар; гвинея халқи, халқлари.

ГВОЗДИК *м* 1 *уменьш. от* **гвоздь** 1 михча, кичкина мих; 2 *мн.* ~**и** *разг.* михпошна (баланд ингичка пошна).

ГВОЗДИ́КА I *ж* чиннигул.

ГВОЗДИ́КА II *ж собир.* қалампирмунчоқ.

ГВОЗДИ́ЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое мих ясайдиган, мих ишлаб чиқарадиган; мих ясаш...; ~**ый цех** мих цехи, мих ишлаб чиқарадиган цех; ~**ая маши́на** мих ясайдиган машина; мих ясаш машинаси.

ГВОЗДИ́ТЬ, -зжу́, -зди́шь *несов. кого-что* и *без доп. прост.* 1 бор куч билан урмоқ, дўппосламоқ, тинимсиз уриб турмоқ; 2 бир гапни қайтаравермоқ, маъқуллайвермоқ; бир гапда турмоқ, ўз билганидан қолмаслик.

ГВОЗДИ́ЧНЫЙ I, -ая, -ое чиннигулга оид, чиннигул...; ~ **за́пах** чиннигул ҳиди.

ГВОЗДИЧН/ЫЙ II, -ая, -ое 1 қалампирмунчоққа оид; қалампирмунчоқдан олинадиган; қалампирмунчоқли; қалампирмунчоқ...; ~**ое ма́сло** қалампирмунчоқ мойи; 2 *мн.* ~**ые** *бот.* қорамуғгуллилар.

ГВОЗД/Ь *м, р.* **-дя́**, *мн.* **гво́зди**, *р.* **-е́й** 1 мих; **деревя́нный** ~**ь** ёғоч мих, михчўп; **сапо́жный** ~**ь** этик михи; ~**ь с большо́й шля́пкой** қалпоғи катта мих; **обо́йный** ~**ь** гулқоғоз қоқадиган мих; **литы́е** ~**и** қуйма мих(лар); **прибива́ть (забива́ть)** ~**я́ми** михламоқ, михлаб қўймоқ; **вбива́ть** ~**ь** мих қоқмоқ; михни қоқиб киргизмоқ; 2 *перен. чего разг.* бирор нарсанинг энг муҳим, энг қизиқ жойи, мағзи, ўзаги; гули; ~**ь програ́ммы** программанинг энг муҳим (энг қизиқ) жойи; ~**ь сезо́на** мавсумнинг довруғи, сезоннинг гули (театр, томоша ва ш. к. ҳақида); ✦ ~**ём сиди́т (или засе́ло)** *что разг.* маҳкам (қоқилган михдек) ўрнашиб қолди (фикр, хаёл ва ш. к. ҳақида); **и никаки́х** ~**е́й!** *прост.* гап (иш) тамом, вассалом!; бошқа гап йўқ!

ГДЕ *нареч.* 1 *вопросит.* и *места* қаерда, қайда; қани; ~**вы рабо́таете?** сиз қаерда ишлайсиз?; **вот** ~ **я был** мана мен бўлган жой(лар); 2 *неопр. прост.* бирор жойда, бирор ерда; қаердадир; **поищи́, не потеря́л ли** ~ қидириб кўр, бирор жойда йўқотмаганмикинсан; 3 *относит.* бирор гап таркибида келиб, ўрин билдиради; **я был там,** ~ **никто́ не быва́л** мен бўлган жойда ҳеч ким бўлган эмас; 4 *в знач. частицы* гумон, шубҳа маъносини ифодалайди; ~ **тебе́ тяга́ться со мной!** мен билан тенглашишга сенга йўл бўлсин!; **ты тепе́рь бога́ч!— Где уж там бога́ч!** сен энди бойсан.— Э, қаёқда!; ✦ ~ **ни на есть** *разг.* исталган жойда, хоҳлаган ерда, ҳамма ерда; ~-~ 1) *уст.* у ер-бу ерда, баъзи-баъзи жойларда; 2) ҳамма ерда, ҳамма жойда; ~ **уж** или ~ **уж то́лько ҳамма ерда, ҳамма жойда; ~ уж (то́лько) я не**

www.ziyouz.com kutubxonasi

быва́л бормаган жойим қолмади; ~ попа́ло дуч келган жойда, ҳар қаерда.

ГДЕ-ЛИБО *нареч.* бирор жойда; бирор ерда, қаердадир, қаерда бўлмасин.

ГДЕ-НИБУДЬ *нареч. то же, что* **где́-либо.**

ГДЕ-ТО *нареч.* аллақайда, қаердадир, бирор жойда; **~ раздался вы́стрел** қаерда(н)дир милтиқ овози эшитилди; **он ~ пропада́ет** у қаерда (қайси гўрда) юрибди (экан), у қаёққа йўқолди, ғойиб бўлди (экан).

ГЕГЕЛЬЯНЕЦ *м, р.* **-нца** гегелчи, Гегель фалсафаси тарафдори.

ГЕГЕЛЬЯНСК/ИЙ, -ая, -ое гегелчилик руҳидаги, гегелчи...; гегелчилик...; гегелча; **~ая шко́ла** гегелчилик мактаби; **~ие взгля́ды** гегелча (гегелчилик руҳидаги) қарашлар.

ГЕГЕЛЬЯНСТВО *с* гегелчилик (1 Гегелнинг идеалистик фалсафий таълимоти; 2 Гегель таълимоти асосида юзага келган идеалистик фалсафий оқимлар номи).

ГЕГЕМО́Н *м вывок.* гегемон, гегемонлик қилувчи, устун турувчи; йўлбошчи, етакчи; **пролетариа́т — ~ револю́ции** пролетариат революция гегемонидир (йўлбошчисидир).

ГЕГЕМОНИ́ЗМ *м* гегемонизм (гегемонликка интилиш, гегемонлик даъвоси).

ГЕГЕМОНИ́СТСКИЙ, -ая, -ое гегемонизмга оид; гегемонизм руҳидаги, гегемонистик.

ГЕГЕМО́НИЯ *ж* гегемония, гегемонлик, устунлик; йўлбошчилик; **~ пролетариа́та в социалисти́ческой револю́ции** социалистик революцияда пролетариат гегемонлиги (йўлбошчилиги).

ГЕДОНИ́ЗМ *м* гедонизм (ҳузур-ҳаловатга интилиш инсонга хос олий хислат, деб ҳисобловчи ахлоқий таълимот).

ГЕЕ́ННА *ж рел.* жаҳаннам; **~ о́гненная** дўзах.

ГЕЙ *межд. разг.* 1 эй, ҳей, ҳой; **~, това́рищ!** ҳой, ўртоқ; 2 чуҳ; чуҳ-чуҳ (отни ҳайдаш ундалмаси).

ГЕ́ЙЗЕР *м* гейзер (ўқтин-ўқтин отилиб турадиган иссиқ булоқ).

ГЕ́ЙША *ж* гейша (Япония чойхоналари, майхоналари ва ш. к. да: меҳмонларни хурсанд қилиб турувчи раққоса-қўшиқчи).

ГЕКАТО́МБА *ж* 1 гекатомба (юнонларда: юзта қорамолни қурбонлик қилиш; кейинчалик умуман катта қурбонлик); 2 *перен.* қирғинбозлик; қирғин.

ГЕКЗАМЕ́ТР *м лит.* гекзаметр (олти мисрали шеър, мусаддас; мусаддас услуби).

ГЕКСАЭ́ДР *м мат.* гексаэдр, олтиёқлик, куб.

ГЕКТА́Р *м* гектар.

ГЕКТОВА́ТТ *м эл.* гектоватт (юз ваттга тенг ўлчов бирлиги).

ГЕКТОВА́ТТ-ЧАС *м эл.* гектоватт-соат.

ГЕКТОГРАФ *м* гектограф (қўлда ёки машинкада ёзилган текстдан кўплаб нусха тайёрлайдиган асбоб).

ГЕКТОГРАФИ́РОВАТЬ *несов. что* гектографда босмоқ, кўпайтирмоқ.

ГЕКТОГРАФИ́ЧЕСК/ИЙ, -ая, -ое гектографда босилган; гектографда ишлатиладиган; гектографик; гектограф...; **~е черни́ла** гектограф сиёҳи, бўёғи; **~й спо́соб печа́тания** гектограф усули билан босиш.

ГЕ́ЛИЕВЫ/Й, -ая, -ое гелийли, гелий...; **~е ла́мпы** гелийли лампалар.

ГЕ́ЛИЙ *м* гелий (химиявий элемент, енгил инерт газ).

ГЕЛИКО́ПТЕР *м уст. то же, что* **вертолёт.**

ГЕЛИОГРАВЮ́РА *ж полигр.* гелиогравюра (расм, нақш ва ш. к. ни металлга тушириб, ундан нусха кўчириш усули).

ГЕЛИО́ГРАФ *м* гелиограф (1 *астр.* Қуёшни суратга олувчи фотоаппаратли телескоп; 2 *метеор.* Қуёшнинг нур сочиш вақтини автоматик равишда ёзиб борадиган асбоб; 3 *воен.* узоқ масофаларга ёруғлик сигнали берувчи асбоб).

ГЕЛИОГРА́ФИЯ *ж* гелиография (астрономиянинг Қуёшни текшириш ва тавсифлаш билан шуғулланувчи бўлими).

ГЕЛИО́МЕТР *м астр.* гелиометр (осмон ёритқичларининг диаметрини, шунингдек ёритқичлар орасидаги кичик бурчакларни ўлчайдиган асбоб).

ГЕЛИОТЕРАПИ́Я *ж мед.* гелиотерапия (қуёш нури билан даволаш).

ГЕЛИОТЕ́ХНИКА *ж* гелиотехника (фан ва техниканинг қуёш энергиясидан фойдаланиш билан шуғулланувчи тармоғи).

ГЕЛИОТРО́П *м* 1 *бот.* кўкмараз, ҳазоранггул (бинафша ранг гулли ўсимлик) ва б.; 2 *мин.* гелиотроп (кўкиш тиниқ минерал).

ГЕЛИОТРОПИ́ЗМ *м биол.* гелиотропизм (ўсимликларнинг ёруғликка интилиш ёки ундан ўгирилиш хусусияти).

ГЕЛИОУСТАНО́ВКА *ж* гелиоқурилма (қуёш энергиясидан фойдаланиш қурилмаси).

ГЕЛИОЦЕНТРИ́ЗМ *м астр.* гелиоцентризм, гелиоцентрик система.

ГЕЛИОЦЕНТРИ́ЧЕСК/ИЙ, -ая, -ое гелиоцентрик; **~ая систе́ма** гелиоцентрик система (Қуёш коинотнинг марказидир, деган таълимот ва шундай коинот системаси); *ср.* **геоцентри́ческий.**

ГЕЛЬМИНТОЛО́ГИЯ *ж* гельминтология (паразит чувалчанглар, гижжалар ва улар туғдирадиган касалликлар ҳақидаги фан).

ГЕМАТИ́Т *м мин.* гематит (қизил темиртош, темир рудаси).

ГЕМАТОГЕ́Н *м* гематоген (гемоглобиннинг глицерин билан винодаги эритмасидан иборат қон дори).

ГЕМАТОЛО́ГИЯ *ж* гематология (қон системаси ҳақидаги фан).

ГЕМАТО́МА *ж мед.* гематома, ғурра.

ГЕ́ММА *ж* гемма (сиртига хат ёзилган ёки нақш туширилган қимматбаҳо тош).

ГЕМОГЛОБИ́Н *м* гемоглобин (қизил қон шарчалари таркибида бўладиган ва унга қизил ранг берадиган модда).

ГЕМОРРОИДА́ЛЬНЫ/Й, -ая, -ое бавосил касаллигига оид; бавосил касаллиги билан боғлиқ бўлган, бавосил...; геморрой...; **~е ши́шки** бавосил тугунчалари (шишлари).

ГЕМОРРО́Й *м* геморрой, бавосил.

ГЕМОРРОИ́Н/ЫЙ, -ая, -ое бавосил касаллигига оид; бавосил...; геморррой...; **~ая кровь** бавосил қони.

ГЕН *м биол.* ген (ҳайвон ёки ўсимлик организмидаги ирсият фактори, ирсиятнинг элементар бирлиги).

ГЕНЕАЛОГИ́ЧЕСК/ИЙ, -ая, -ое келиб чиқишга, насл-насабга оид; генеалогик; **~ая табли́ца** генеалогик таблица, насл-насаб жадвали; **~ая классифика́ция языко́в** тилларнинг генеалогик (келиб чиқишига кўра) таснифи; ✦ **~ое де́рево** шажара.

ГЕНЕАЛО́ГИЯ *ж* генеалогия (1 насл-насаб тарихи, насабнома, шажара, силсила; 2 насабшунослик, тарих фанининг айрим уруғ тарихини, насл-насабини ўрганадиган ёрдамчи бўлими).

ГЕНЕ́ЗИС *м* генезис, келиб чиқиш, пайдо бўлиш, бунёдга келиш; **~ ру́сского языка́** рус тилининг генезиси (келиб чиқиши); **~ позвоно́чных живо́тных** умуртқали ҳайвонларнинг пайдо бўлиши.

ГЕНЕРА́Л *м* генерал (олий ҳарбий унвон ва шу унвонга эга киши); **~-майо́р** генерал-майор (генераллик унвонининг биринчи даражаси); **~-лейтена́нт** генерал-лейтенант (генераллик унвонининг генерал-майордан юқори иккинчи даражаси); **~-полко́вник** генерал-полковник (генераллик унвонининг генерал-лейтенантдан юқори учинчи даражаси); **~ а́рмии** армия генерали (генераллик унвонининг олий даражаси); ✦ **свадебный ~** *шутл.* тўй генерали (нотаниш кишилар даврасига ёки тўйга савлат учун таклиф этилган салобатли киши).

ГЕНЕРАЛ-ГУБЕРНА́ТОР *м* генерал-губернатор (чор Россиясида ва баъзи мамлакатларда: бир ёки бир неча ўлканинг ҳарбий-маъмурий бошлиғи).

ГЕНЕРАЛ-ГУБЕРНА́ТОРСТВО *с* генерал-губернаторлик (чор Россиясида: генерал-губернатор бошлиқ маъмурий-территориал бўлинма).

ГЕНЕРА́Л-ДИРЕ́КТОР *м* генерал-директор (темир йўл ва дарё флоти ходимларининг фахрий олий унвони); **~ путе́й сообще́ния** алоқа йўллари генерал-директори.

ГЕНЕРАЛИССИ́МУС *м* генералиссимус (энг олий ҳарбий унвон ва шу унвонга эга бўлган киши); **~ Суво́ров** генералиссимус Суворов.

ГЕНЕРАЛИТЕ́Т *м собир.* генералитет, генераллар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ГЕНЕРА́ЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое 1 генерал, бош, асосий; **~ая ли́ния разви́тия** тараққиётнинг асосий (бош) йўли; **~ый прокуро́р** бош прокурор; **~ый дире́ктор** бош директор; 2 асосий, умумий, катта; тубли; ҳал қилувчи; **~ый план** асосий (бош) план; **~ая реви́зия** тубли ревизия; ✦ **~ое сраже́ние** ҳал қилувчи жанг; **~ый штаб** бош штаб; **~ая репети́ция** охирги (сўнгги) репетиция.

ГЕНЕРА́ЛЬСКИЙ, -ая, -ое генералларга оид; генераллик...; генерал(лар)...; **~ чин** генераллик унвони.

ГЕНЕРА́ЛЬША *ж разг.* генерал хотини.

ГЕНЕРАТИ́ВН/ЫЙ, -ая, -ое *биол.* генератив, урчиш учун хизмат қиладиган, жинсий; **~е кле́тки** жинсий ҳужайралар.

ГЕНЕРА́ТОР *м* 1 генератор (электр токи ишлаб чиқарадиган машина); **~ постоя́нного то́ка** ўзгармас ток генератори; **индукцио́нный ~** индукцион генератор; 2 генератор (бирор нарса ишлаб чиқарадиган аппарат); **~ ацетиле́на** ацетилен генератори; 3 *то же, что* **газогенера́тор.**

ГЕНЕРА́ТОРН/ЫЙ, -ая, -ое 1 генераторга оид; генератор...; **~ая ла́мпа** генератор лампа; 2 генераторда (газогенераторда) ишлаб чиқарилган; генератор...; газогенератор...; ✦ **~ый газ** генератор гази.

ГЕНЕРА́ЦИЯ *ж спец.* 1 генерация, насл, авлод, бўғин; 2 туғилиш, юзага келиш, пайдо бўлиш; юзага келтириш; **~ минера́лов** минералларнинг юзага келиши; ишлаб чиқариш; **~ электри́ческой эне́ргии** электр энергияси ишлаб чиқариш; электр энергиясининг ишлаб чиқарилиши.

ГЕНЕ́ТИК *м* генетик, генетика мутахассиси, олими.

ГЕНЕ́ТИКА *ж* генетика (ирсият ва организмларнинг ўзгариши ҳақидаги фан).

ГЕНЕТИ́ЧЕСК/ИЙ, -ая, -ое 1 генезис (келиб чиқиш) билан боғлиқ бўлган; келиб чиқишини, генезисини ўрганадиган; генетик; **~ая связь** генетик алоқа (боғланиш); **~ий ме́тод** генетик метод (услуб); 2 генетикага оид, генетик; генетика...; **~ие пробле́мы** генетика проблемалари.

ГЕНИА́ЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое; -лен, -льна 1 гениал, улуғ (зўр) истеъдодли; **~ый по́эт** гениал шоир; 2 гениал, зўр маҳорат билан қилинган, ишланган; доҳиёна, доно; **~ое произведе́ние** гениал асар; **~ая мы́сль** доҳиёна фикр.

ГЕ́НИ/Й *м* 1 гений, даҳо, улуғ истеъдод, зўр талант, заковат; **литерату́рный ~й Л. Н. Толсто́го** Л. Н. Толстойнинг адабий даҳоси, заковати; 2 гений, доҳий, улуғ истеъдод соҳиби, заковат эгаси; **Ломоно́сов был ~ем** Ломоносов улуғ истеъдод соҳиби эди; 3 *уст. поэт.* раҳмон, ҳомий (дастлаб қадимги Рим афсоналарида: одамзодга ҳомийлик қилувчи, руҳ, илоҳ); 4 *чего* бирор нарсанинг, ҳислат-фазилатнинг мужассами, ажойиб намунаси; ✦ **до́брый ~й** раҳмон (бошқаларга яхшилик қилувчи одам); **злой ~й** иблис (бошқаларга ёмонлик қилувчи одам).

ГЕ́ННЫЙ, -ая, -ое генга оид; ген...

ГЕНОТИ́П *м биол.* генотип (организмда мавжуд ҳамма генлар).

ГЕНОЦИ́Д *м* геноцид (империализм ва фашизмнинг ирқий, миллий ёки диний авж билан аҳолининг бирор тоифасини қиришга қаратилган сиёсати); **~ — тягча́йшее преступле́ние про́тив челове́чества** геноцид — инсониятга қарши энг оғир жиноят.

ГЕНШТА́Б *м* (генера́льный штаб) бош штаб.

ГЕОБОТА́НИКА *ж* геоботаника (ботаниканинг ер юзидаги ўсимликларни ва уларнинг географик шароитларга кўра тарқалишини ўрганадиган бўлими).

ГЕО́ГРАФ *м* географ, география олими, мутахассиси.

ГЕОГРАФИ́ЧЕСК/ИЙ, -ая, -ое географик; жуғрофий (*эск.*); **~ая ка́рта** географик харита; **~ие усло́вия** географик шароитлар; ✦ **~ая среда́** географик муҳит.

ГЕОГРА́ФИЯ *ж* география; жуғрофия (*эск.*) (1 ер юзи ва унинг табиий шароитларини, аҳолисини, экономикасини ўрганадиган фанларнинг умумий номи; **физи́ческая ~** табиий география; **экономи́ческая ~** иқтисодий география; 2 бирор нарсанинг ер юзида ёки муайян бир территорияда қандай тарқалганлиги, **~ расте́ний** ўсимликлар географияси; **~ почв** тупроқ географияси; **~ де́тской сме́ртности** болалар орасидаги ўлимнинг оз-кўплиги географияси).

ГЕОДЕЗИ́СТ *м* геодезист, геодезия мутахассиси.

ГЕОДЕЗИ́СТКА *ж, р. мн.* **-ток** *см.* **геодези́ст.**

ГЕОДЕЗИ́ЧЕСКИ/Й, -ая, -ое геодезияга оид; геодезик; геодезия...; **~е измере́ния** геодезик ўлчашлар; **~е прибо́ры** геодезия асбоблари.

ГЕОДЕ́ЗИЯ *ж* геодезия; **вы́сшая ~** олий геодезия (ер шакли ва ўлчамларини ўрганадиган фан); **ни́зшая ~** қуйи геодезия (ер сатҳининг бирор кичик қисмини ўрганадиган фан, топография).

ГЕО́ЛОГ *м* геолог, геология олими, мутахассиси.

ГЕОЛОГИ́ЧЕСК/ИЙ, -ая, -ое геологияга оид; геологик; геология...; **~ая разве́дка** геологик разведка, геологик қидириш.

ГЕОЛО́ГИЯ *ж* геология (ер ҳақидаги фан); **истори́ческая ~** тарихий геология; **динами́ческая ~** динамик геология.

ГЕОЛОГОРАЗВЕ́ДКА *ж* геологоразведка, геологик қидирув ишлари.

ГЕОЛОГОРАЗВЕ́ДОЧН/ЫЙ, -ая, -ое геологик қидирув ишларига оид, геологоразведка...; **~ая экспеди́ция** геологоразведка экспедицияси; **~ые рабо́ты** геологик қидирув ишлари.

ГЕОЛОГОРАЗВЕ́ДЧИК *м* разведкачи (қидирувчи) геолог.

ГЕОМАГНЕТИ́ЗМ *м* геомагнетизм, ер магнетизми.

ГЕОМАГНЕТИ́ЧЕСКИЙ, -ая, -ое ер магнетизмига оид; геомагнетик.

ГЕОМАГНИ́ТНЫ/Й, -ая, -ое геомагнитик; геомагнит...; **~е эффе́кты** геомагнитик эффектлар.

ГЕО́МЕТР *м* геометрия олими, мутахассиси.

ГЕОМЕТРИ́ЧЕСКИ/Й, -ая, -ое геометрияга оид; геометрик; геометрия...; **~е фигу́ры** геометрик шакллар.

ГЕОМЕ́ТРИЯ *ж* геометрия; **начерта́тельная ~** чизма геометрия.

ГЕОМОРФОЛО́ГИЯ *ж* геоморфология (табиий географиянинг ер сирти шаклларини ва уларнинг тарихини ўрганадиган тармоғи).

ГЕОРГИ́Н *м* георгин, картошкагул.

ГЕОТРОПИ́ЗМ *м* геотропизм (ернинг тортиш кучи таъсири остида ўсимлик организмининг маълум вазиятда ўсиши).

ГЕОФИ́ЗИК *м* геофизик, геофизика олими, мутахассиси.

ГЕОФИ́ЗИКА *ж* геофизика (ернинг физик хусусиятлари ва унда рўй берадиган физик процесслар ҳақидаги фанлар мажмуи).

ГЕОФИЗИ́ЧЕСК/ИЙ, -ая, -ое геофизикага оид; геофизик; геофизика...; **~ий кабине́т** геофизика кабинети; **~ая обсерва́тория** геофизика обсерваторияси.

ГЕОХИ́МИК *м* геохимик, геохимия олими, мутахассиси.

ГЕОХИМИ́ЧЕСК/ИЙ, -ая, -ое геохимияга оид; геохимик; геохимия...

ГЕОХИ́МИЯ *ж* геохимия (ернинг химик состави ва унда химиявий элементларнинг тарқалиши, жойланиши ҳақидаги фан).

ГЕОЦЕНТРИ́ЗМ *м астр.* геоцентризм, геоцентрик система.

ГЕОЦЕНТРИ́ЧЕСК/ИЙ, -ая, -ое геоцентрик; **~ая систе́ма** геоцентрик система (ер коинотнинг марказидир, деган нотўғри таълимот); *ср.* **гелиоцентри́ческий.**

ГЕПА́РД *м* гепард, чита (йиртқич ҳайвон).

ГЕПА́РДОВЫЙ, -ая, -ое гепардга оид; гепард...

ГЕРА́НИЕВ/ЫЙ, -ая, -ое 1 ёронгулга оид; ёронгул...; **~ое ма́сло** ёронгул мойи; *в знач. сущ.* **~ые** *мн. бот.* ёронгуллилар.

ГЕРА́НЬ *ж* ёронгул, атиршох.

ГЕРБ *м, р.* **-а́** герб, тамға; **госуда́рственный ~ Сове́тского Сою́за** Совет Иттифоқининг давлат герби.

ГЕРБАРИЗИ́РОВАТЬ *несов. что* гербарий тузмоқ.

ГЕРБА́РИЙ *м* гербарий (қуритилган ўсимликлар коллекцияси).

ГЕРБА́РНЫЙ, -ая, -ое гербарийга оид; гербарий...

ГЕРБИЦИ́ДНЫЙ, -ая, -ое гербицидларга оид; гербицид...

ГЕРБИЦИ́ДЫ *мн. (ед.* **гербици́д** *м)* гербицидлар (бегона ўтларни йўқотадиган химиявий моддалар).

www.ziyouz.com kutubxonasi

ГЕ́РБОВ/ЫЙ, -ая, -ое гербли, тамғали; герб...; **~ая печа́ть** гербли печать; **~ая ма́рка** гербли марка; ✦ **~ый сбор** давлат йиғими, марка солиғи.

ГЕРКУЛЕ́С *м* 1 геркулес, азамат, паҳлавон (қадимги юнон афсоналари қаҳрамони Гераклнинг латинча номидан); 2 сули ёрмаси.

ГЕРКУЛЕ́СОВ: ~ы столпы́ (или **столбы́**) чегара, чек, ҳад (қадимгилар назарида қуруқликнинг чегараси деб ҳисобланган Жабалториқ бўғозининг ўша вақтлардаги номидан); **дойти́ до ~ых столпо́в** чекдан ошмоқ; чегарадан (ҳаддан) ошириб юбормоқ (чиқиб кетмоқ).

ГЕРКУЛЕ́СОВСК/ИЙ, -ая, -ое жуда кучли, бақувват, азамат; баҳодир; паҳлавонсифат; **~ое телосложе́ние** азамат (паҳлавонсифат) қадди-қомат; **~ая си́ла** баҳодирона куч.

ГЕРКУЛЕ́СОВ/ЫЙ, -ая, -ое сули ёрмасидан пиширилган; сули ёрма...; **~ая ка́ша** сули ёрма бўтқаси.

ГЕРМА́НЕЦ *м, р.* **-нца** герман; немис; *см.* **герма́нцы.**

ГЕРМАНИЗА́ЦИЯ *ж* немислаштириш; немислашиш.

ГЕРМАНИЗИ́РОВАТЬ *сов.* и *несов. кого-что* немислаштирмоқ.

ГЕРМАНИЗИ́РОВАТЬСЯ 1 *сов.* и *несов.* немислашмоқ; 2 *несов. страд. от* **германизи́ровать.**

ГЕРМАНИ́ЗМ *м лингв.* германизм (герман тилларидан ўзлаштирилган ёхуд герман тилларига тақлидан тузилган сўз ёки ибора).

ГЕРМА́НИЙ *м* германий (химиявий элемент).

ГЕРМАНИ́СТ *м* германист (герман филологияси мутахассиси).

ГЕРМАНИ́СТКА *ж, р. мн.* **-ток** *см.* **германи́ст.**

ГЕРМАНИ́СТИКА *ж лингв.* германистика, герман филологияси.

ГЕРМАНОФИ́Л *м уст.* германпараст одам; немисларпараст, немислар ихлосманди.

ГЕРМАНОФО́Б *м уст.* немислар душмани, немисёқмас.

ГЕРМА́НСК/ИЙ, -ая, -ое 1 германларга оид; герман...; **~ие языки́** герман тиллари (немис, инглиз ва Скандинавия халқлари тиллари); 2 Германияга ва немисларга оид; Германия...; немис(лар)...; **Герма́нская Демократи́ческая Респу́блика (ГДР)** Германия Демократик Республикаси (ГДР).

ГЕРМА́НЦЫ *мн. (ед.* **герма́нец** *м)* 1 германлар (Марказий, Ғарбий ва Ғарби-Жанубий Европада яшаган қадимий элатларнинг умумий номи); 2 Германия аҳолиси, немислар.

ГЕРМАФРОДИ́Т *м* гермафродит, хунаса.

ГЕРМАФРОДИТИ́ЗМ *м* гермафродитизм, хунасалик.

ГЕРМЕТИЗА́ЦИЯ *ж тех.* герметизация, герметизациялаш, зичлаш, ҳаво кирмайдиган-чиқмайдиган қилиш.

ГЕРМЕТИЗИ́РОВАТЬ *сов.* и *несов. что тех.* герметизацияламоқ, зичламоқ, ҳаво кирмайдиган-чиқмайдиган қилмоқ.

ГЕРМЕТИ́ЧЕСК/ИЙ, -ая, -ое герметик, зич ёпиладиган; ҳаво кирмайдиган-чиқмайдиган; **~ий сосу́д** герметик (зич ёпилган, ёпиладиган) идиш; **~ая две́рка** герметик эшикча.

ГЕРМЕТИ́ЧНОСТЬ *ж* герметиклик, зичлик; **~ закупо́рки** қопқоқнинг герметиклиги, зичлиги.

ГЕРМЕТИ́ЧНЫЙ, -ая, -ое; -чен, -чна *то же, что* **гермети́ческий.**

ГЕРМОШЛЕ́М *м* гермошлем, герметик қалпоқ.

ГЕРОИ́ЗМ *м* қаҳрамонона ҳаракат, хислат; қаҳрамонлик; **~ сове́тского наро́да** совет халқининг қаҳрамонлиги.

ГЕРОИ́КА *ж* бирор иш, воқеа ва ш. к. нинг қаҳрамонона томони, мазмуни, унда кўрсатилган, намоён бўлган қаҳрамонлик, баҳодирлик; **~ револю́ции** революцияда кўрсатилган (намоён бўлган) қаҳрамонликлар; **~ труда́** меҳнатдаги қаҳрамонлик; қаҳрамонона (баҳодирона) меҳнат намуналари.

ГЕРОИ́Н *м* героин (кучли наркотик модда, дори).

ГЕРОИ́НЯ *ж* қаҳрамон аёл; ✦ **мать-** ~ қаҳрамон она.

ГЕРОИ́ЧЕСК/ИЙ, -ая, -ое 1 қаҳрамон (ботир) одамларга хос бўлган, қаҳрамонлик билан қилинган; қаҳрамонона, ботирона, мардонавор, шавкатли; **~ий по́двиг** қаҳрамонона жасорат; **~ий посту́пок** мардонавор ҳаракат, мардлик, ботирлик; 2 қаҳрамон, ботир; **~ие защи́тники Ленингра́да** Ленинграднинг қаҳрамон ҳимоячилари; **~ий сове́тский наро́д** қаҳрамон совет халқи; 3 қаҳрамонлик билан тўлиб-тошган; қаҳрамонликларга бой; **~ое вре́мя** қаҳрамонлик билан тўлиб-тошган давр; 4 қаҳрамонликларга бағишланган, қаҳрамонлик ҳақидаги, қаҳрамонлик...; **~ая поэ́ма** қаҳрамонлик поэмаси; **~ий э́пос** қаҳрамонлик эпоси.

ГЕРО́Й *м* 1 қаҳрамон, ботир; **~ Вели́кой Оте́чественной войны́** Улуғ Ватан уруши қаҳрамони; 2 *лит.* қаҳрамон; **~ рома́на** роман қаҳрамони; 3 *чего* қаҳрамон (иш кўрсатган одам); **~ на́шего вре́мени** замонамиз қаҳрамони; ✦ **Геро́й Социалисти́ческого Труда́** Социалистик Меҳнат Қаҳрамони; **Геро́й Сове́тского Сою́за** Совет Иттифоқи Қаҳрамони; **го́род-** ~ қаҳрамон шаҳар.

ГЕРО́ЙСК/ИЙ, -ая, -ое *то же, что* **геро́йческий** 1, 2; **~ий посту́пок** қаҳрамонона иш, мардонавор ҳаракат, қаҳрамонлик.

ГЕРО́ЙСТВО *с* қаҳрамонлик, ботирлик, мардлик; қаҳрамонона иш, ҳаракат; **прояви́ть ~** қаҳрамонлик кўрсатмоқ, мардлик қилмоқ.

ГЕРО́ЛЬД *м ист.* герольд (феодал, монарх саройида: жарчи, удайчи).

ГЕРОНТО́ЛОГ *м* геронтолог, геронтология олими, мутахассиси.

ГЕРОНТОЛО́ГИЯ *ж* геронтология (организмларнинг тузилиши ва умрни узайтириш масалалари билан шуғулланувчи фан).

ГЕРЦ *м эл.* герц (тебраниш тезлигининг ўлчов бирлиги).

ГЕ́РЦОГ *м* герцог (Ғарбий Европада: юқори табақа князларга ва дворянларга бериладиган унвон).

ГЕ́РЦОГИНЯ *ж* герцогиня (герцог хотини ёки қизи).

ГЕ́РЦОГСК/ИЙ, -ая, -ое герцогларга оид; қарашли; герцог(лар)...; герцоглик...; **~ий ти́тул** герцоглик унвони; **~ая земля́** герцог ери (ер-мулки).

ГЕ́РЦОГСТВО *с* герцоглик (1 герцог бошчилигидаги давлат; 2 герцог унвони).

ГЕСТА́ПО *с нескл.* гестапо (фашистлар Германиясининг яширин сиёсий давлат полицияси).

ГЕСТА́ПОВЕЦ *м, р.* **-вца** гестапочи, гестапо ходими.

ГЕСТА́ПОВСКИЙ, -ая, -ое гестапога оид, хос бўлган, гестапога қарашли; гестапо...

ГЕТЕ́РА *ж* 1 гетера (Юнонистонда: эркин, мустақил яшовчи эрсиз сатанг хотин); 2 *книжн.* енгилтак, суюқоёқ хотин.

ГЕТЕРОГЕ́ННЫЙ, -ая, -ое *книжн.* гетероген таркиби, келиб чиқиши жиҳатидан ҳар хил, турли жинсли; *ср.* **гомоге́нный.**

ГЕ́ТМАН *м* гетман (1 қадим Украинада: казак қўшинлар бошлиғи; Украина ҳокими; 2 қадимги Польшада: бош қўмондон).

ГЕ́ТМАНСК/ИЙ, -ая, -ое гетманга оид, гетман(лар)...; **~ая власть** гетман ҳокимияти.

ГЕ́ТМАНСТВ/О *с* гетманлик, гетман ҳокимияти, гетман ҳоким бўлган вақт (давр); **пери́од ~а Мазе́пы** Мазепа гетман бўлган давр, Мазепанинг гетманлик даври.

ГЕ́ТМАНЩИНА *ж* 1 гетманлар даври (Украинада); 2 гетманчилик (1918 йилда Украинада: гетман-генерал Скоропадский бошлиқ контрреволюцион ҳарбий диктатура).

ГЕ́ТРЫ *мн. (ед.* **ге́тра** *ж)* гетр (тўпиқдан болдиргача бекитиб турадиган иссиқ оёқ кийими ёки қўнж); **ко́жаные ~** чарм гетр (қадама қўнж).

ГЕ́ТТО *с нескл.* гетто (ирқий, миллий ёки диний жиҳатдан паст тутилган аҳоли группаси учун ажратилган квартал, маҳалла); **негрита́нские ~ в США** АҚШда неграл геттоси (маҳалласи).

ГИАЦИ́НТ *м* 1 *бот.* сунбул; 2 *мин.* гиацинт (ёқут, аметист сингари баъзи қимматбаҳо тошлар номи).

ГИАЦИ́НТОВ/ЫЙ, -ая, -ое 1 сунбулга оид; сунбулдан тайёрланган; сунбул...; **~ая лу́ковица** сунбул пиёзи; 2 гиацинтдан, ёқутдан ясалган; гиацинт (ёқут) кўзли; гиацинт...; ёқут...; **~ый пе́рстень** гиацинт (ёқут) кўзли узук.

ГИББО́Н *м* гиббон (одамсимон маймунлар тури).

ГИ́БЕЛЬ *ж* 1 ҳалок (нобуд) бўлиш, йўқ бўлиш; емирилиш; ҳалокат, ўлим, йўқолиш, битиш, завол; **траги́ческая ~** фожиали ўлим; **~ Помпе́и** Помпея ҳалокати; Помпеянинг йўқ бўлиши; **~ самолёта** самолёт ҳалокати; **~ по-**

www.ziyouz.com kutubxonasi

сево́в экинларнинг нобуд бўлиши; **обре́чь на ~ўлимга** маҳкум қилмоқ; **идти́ на ве́рную** ~ ҳалокатга бормоқ; 2 *в знач. сказ. чего прост.* жуда кўп, беҳисоб, ғиж-ғиж; **здесь муравьёв — ~** бу ерда чумоли ғиж-ғиж; ✦ **быть (или находи́ться) на краю́ ги́бели** ҳалокат ёқасида турмоқ (бўлмоқ).

ГИБЕЛЬНОСТЬ *ж* ҳалокатлилик, фалокатлилик.

ГИБЕЛЬНЫ/Й, -ая, -ое; -лен, -льна ҳалокатли, фалокатли, ҳалокатга олиб борадиган; **~й шаг** ҳалокатли (ҳалокатга олиб борадиган) қадам; **~е после́дствия** фожиали оқибатлар.

ГИ́БК/ИЙ, -ая, -ое; ги́бок, гибка́, ги́бко 1 эгилувчан, букилувчан, қайишқоқ, эластик; **~ий прут** эгилувчан новда, хивич; 2 *перен.* керак томонга ўзгара оладиган; ўзгаришларга, нюансларга бой, турланувчан (товуш, шеър, тил, музика ҳақида); **~ий го́лос** ўзгаришларга бой овоз; 3 *перен.* тез мослашувчи; тадбиркор; уддабурон; эпчил; **~ая поли́тика** тадбиркор сиёсат; **~ое руково́дство** уддабурон раҳбарлик.

ГИ́БКОСТЬ *ж* 1 эгилувчанлик, букилувчанлик, қайишқоқлик, эластиклик; 2 *перен.* ўзгарувчанлик, тез ўзгара олиш; 3 *перен.* мослашувчанлик, тадбиркорлик, уддабуронлик, эпчиллик.

ГИБЛ/ЫЙ, -ая, -ое *разг.* ҳалокатга олиб борадиган, ҳалокатли, фалокатли: ярамас, бўлмағур; **~ое ме́сто** ҳалокатли жой; бўлмағур жой, борса-келмас; ✦ **~ое де́ло** бўлмағур (бўлмайдиган) иш, пачава иш.

ГИ́БНУТЬ, -ну, -нешь; гиб, ги́бла *(сов.* **поги́бнуть)** ҳалок бўлмоқ, нобуд бўлмоқ, йўқолмоқ, ўлмоқ; ~ **от моро́за** совуқдан нобуд бўлмоқ, совуқ урмоқ; ~ **от боле́зней** касалликлардан ҳалок (нобуд) бўлмоқ, қирилмоқ.

ГИ́БОЧН/ЫЙ, -ая, -ое *тех.* эгадиган, букадиган; эгиш...; букиш...; **~ая маши́на** эгиш (букиш) машинаси.

ГИБРИД *м* гибрид, дурагай, чатишма.

ГИБРИДИЗА́ЦИЯ *ж* гибридлаш, дурагайлаш; чатиштириш; дурагайланиш, чатишиш.

ГИБРИ́ДНЫ/Й, -ая, -ое чатиштириб ҳосил қилинган, чатиштирилган, гибридланган, чатишма, дурагай, гибрид; **~й кле́вер** гибрид беда; **~е семена́** гибрид уруғ(лар).

ГИГА́НТ *м* 1 жуда катта, баҳайбат одам, паҳлавон, гигант; 2 *перен. чего или какой* азим, улкан нарса, гигант; **завод-~** гигант завод; **новостро́йки-~ы** янги гигант қурилишлар; **индустриа́льные ~ы** индустрия гигантлари; 3 *перен. чего* буюк намоянда (олим, арбоб ва ҳ. к.); девкор хизматчи; **~ы мы́сли** буюк мутафаккирлар.

ГИГА́НТИЗМ *м мед.* гигантизм (организм ёки айрим аъзонинг нонормал катталиги, ўспши).

ГИГАНТОМА́НИЯ *ж разг.* гигантомания, ишни катта олишга интилиш, катта кетиш.

ГИГА́НТСКИ/Й, -ая, -ое 1 гигант, жуда катта, улкан, зўр; **~й стано́к** жуда катта станок; 2 кучи (таъсири, аҳамияти) жиҳатидан зўр, улкан, катта; **~е успе́хи** катта ютуқлар; **~е уси́лия** зўр ҳаракат, катта куч; **~е зада́чи** улкан вазифалар; ✦ **~ е шаги́** чамбарак арғимчоқ (узун ҳода учида айланувчи ҳалқага осилган бир неча арғимчоқли қурилма).

ГИГИЕ́Н/А *ж* гигиена (соғлиқни сақлашга қаратилган тадбир-чоралар ва шу ҳақдаги илм); **~а труда́** меҳнат гигиенаси; **ли́чная ~а** шахсий гигиена; **соблюда́ть пра́вила ~ы** гигиена қоидаларига риоя қилмоқ.

ГИГИЕНИ́СТ *м* гигиенист, гигиена мутахассиси.

ГИГИЕНИ́ЧЕСК/ИЙ, -ая, -ое гигиенага оид; гигиена қоидаларига асосланган, соғлиқни сақлашга хизмат қиладиган, гигиеник; гигиена...; **~ая гимна́стика** гигиеник гимнастика; **~ие ме́ры** гигиеник чора-тадбирлар.

ГИГИЕНИ́ЧНОСТЬ *ж* гигиена қоидаларига мувофиқлик; озодалик, покизалик; **~ жилья́** тураржойнинг озодалиги (покизалиги, тозалиги).

ГИГИЕНИ́ЧН/ЫЙ, -ая, -ое; -чен, -чна гигиена қоидаларига мувофиқ келадиган, гигиена талабларига жавоб берадиган, тоза, покиза, озода; **~ые жили́щные усло́вия** гигиена талабларига жавоб берадиган уй-жой шароити; **~ая оде́жда** гигиеник кийим; тоза (покиза) кийим.

ГИГРОГРА́Ф *м метеор.* гигрограф (ўзи ёзадиган гигрометр).

ГИГРО́МЕТР *м метеор.* гигрометр (ҳаводаги намликни ўлчайдиган асбоб).

ГИГРОСКОПИ́ЧЕСК/ИЙ, -ая, -ое гигроскопик; нам тортадиган, сув шимадиган; **~ая ва́та** гигроскопик пахта; **~ие вещества́** гигроскопик моддалар.

ГИГРОСКОПИ́ЧНОСТЬ *ж* гигроскопиклик, нам тортиш, шимиш) хусусияти; ~ **по́чвы** тупроқнинг гигроскопиклиги.

ГИГРОСКОПИ́ЧНЫЙ, -ая, -ое; -чен, -чна *то же, что* **гигроскопи́ческий.**

ГИД *м* 1 гид (туристларга тушунтиришлар берувчи киши); 2 *уст.* йўлнома, сайрнома.

ГИДА́ЛЬГО *м нескл.* гидальго (Испан дворяни).

ГИ́ДРА *ж* гидра (1 *миф.* юнон афсоналарида: кўп бошли аждар; 2 *зоол.* умуртқасиз сув жониворларидан бири).

ГИДРАВЛИКА *ж* гидравлика (суюқликлар мувозанати ва ҳаракати ҳақидаги фан).

ГИДРАВЛИ́ЧЕСК/ИЙ, -ая, -ое 1 гидравликага оид, гидравлик; гидравлика...; **~е иссле́дования** гидравлик тадқиқотлар; 2 суюқлик кучи билан ишлайдиган, гидравлик; **~й пресс** гидравлик пресс; **~й то́рмоз** гидравлик тормоз.

ГИДРА́НТ *м* гидрант (водопровод колонкаси ёки жўмраги).

ГИДРА́Т *м* гидрат (бирор химиявий модданинг сув билан бирикмаси); ~ **о́киси желе́за** темир оксид гидрати.

ГИДРОАКУ́СТИКА *ж* гидроакустика (акустиканинг товушнинг сувда тарқалишини ўрганадиган бўлими).

ГИДРОАКУСТИ́ЧЕСК/ИЙ, -ая, -ое гидроакустикага оид; гидроакустик; гидроакустика...; **~ая аппарату́ра** гидроакустик аппаратлар, гидроакустика аппаратлари; **~ая слу́жба** гидроакустика хизмати.

ГИДРОАЭРОДРО́М *м* гидроаэродром.

ГИДРОБИОЛО́ГИЯ *ж* гидробиология (биологиянинг сувда яшайдиган организмлар ҳаётини ўрганадиган бўлими).

ГИДРОГЕНЕРА́ТОР *м* гидрогенератор (сув энергиясини электр энергиясига айлантирувчи генератор).

ГИДРОГЕОЛО́ГИЯ *ж* гидрогеология (геологиянинг ер ости сувларини ўрганадиган тармоғи).

ГИДРО́ГРАФ *м* гидрограф, гидрография мутахассиси, олими.

ГИДРОГРАФИ́ЧЕСК/ИЙ, -ая, -ое гидрографияга оид; гидрографик; гидрография...; **~ое иссле́дование** гидрографик тадқиқот.
ГНУ *м* и *ж нескл.* гну (Жанубий Африка киййиги).

ГНУС *м собир.* газандалар, чақадиган ҳашаротлар (чивин, сўна, чаён ва ш. к. лар).

ГНУСА́ВИТЬ, -влю, -вишь *несов.* пинғилламоқ, димоғида гапирмоқ, манқаланиб гапирмоқ.

ГНУСА́ВО *нареч.* пинғиллаб, манқаланиб, димоғ билан; **~ петь** димоғда куйламоқ.

ГНУСА́ВЫЙ, -ая, -ое димоғ билан гапирадиган, пинғиллаган; манқа; **~ челове́к** манқа одам; **~ го́лос** манқа товуш, димоғ товуши.

ГНУСИ́ТЬ, гнушу́, гнуси́шь *несов. разг. то же, что* **гнуса́вить.**

ГНУ́СНО *нареч.* жирканч (ярамас) одамлар каби, разилона, қабиҳларча; **поступи́ть ~** қабиҳларча иш тутмоқ.

ГНУ́СНОСТ/Ь *ж* 1 жирканчлик, ярамаслик, разиллик, қабиҳлик, мурдорлик; 2 жирканч (ярамас) иш, разолат, қабоҳат; **соверша́ть ~и** қабиҳ ишлар қилмоқ.

ГНУ́СН/ЫЙ, -ая, -ое; -сен, -сна́, -сно жирканч, ярамас, разил, қабиҳ, мурдор; **~ый посту́пок** қабиҳ ҳаракат, ярамас иш; **~ая клевета́** жирканч туҳмат, разилона бўҳтон.

ГНУ́Т/ЫЙ, -ая, -ое 1 *прич. от* **гнуть**; 2 *в знач. прил.* эгилган, букилган, майишган; эгма; **~ая ме́бель** букиб ясалган мебель, эгма мебель.

ГНУТЬ, гну, гнёшь *несов.* 1 *(сов.* **согну́ть**) *что* эгмоқ, букмоқ; эгиб (букиб) бирор нарса ясамоқ; **~ подко́вы** тақани букмоқ; темирни букиб тақа ясамоқ; 2 *(сов.* **погну́ть** и **согну́ть**) *кого-что* эгмоқ, энгаштирмоқ; **ве́тер гнул дере́вья к земле́** шамол дарахтларни ерга эгмоқда (энгаштирмоқда) эди; 3 *перен. что к чему* и *без доп. разг.* бирор томонга ёки ўзи истаган ёққа бурмоқ, олиб келмоқ; шама қилмоқ; **я ви́жу, куда́ он гнёт** мен унинг мақсадини (гапни қаёққа бураётганини) тушуниб турибман; ✦ **горб** (или **спи́ну**) белни майиштирмоқ, жон койитиб меҳнат қилмоқ; **~ ше́ю** (или **спи́ну**) *перед кем* бош эгмоқ, бўйин эгмоқ; **~ в дугу́** (или **в три дуги́**) *см.* **дуга́; ~ в три поги́бели** *см.* **поги́бель; ~ в бара́ний рог** *см.* **рог; ~ свою́ ли́нию** ўз айтганини қилдирмоқ; ўзиникини ўтказишга уринмоқ, ўзиникини маъқуллатмоқ.

ГНУ́ТЬСЯ, гнусь, гнёшься *несов.* 1 *(сов.* **согну́ться** и **погну́ться**) эгилмоқ, букилмоқ, қайрилмоқ; **от ве́тра ма́чта си́льно гнётся** мачта шамолда қаттиқ эгилади; 2 *перен.* эгилмоқ, бўйсунмоқ; 3 *спец.* эгиладиган (букилувчан) бўлмоқ, эгилмоқ, қайишмоқ; **про́волока легко́ гнётся** сим яхши букилади; 4 *страд. от* **гнуть** 1.

ГНУША́ТЬСЯ *несов. кого-чего, кем-чем* жирканмоқ, ҳазар қилмоқ; **ниче́м не ~ хе́ч** нарсадан ҳазар қилмаслик, қайтмаслик.

ГОБЕЛЕ́Н *м* гобелен (1 деворга осиб қўйиладиган суратли гилам; 2 декоратив газлама).

ГОБЕЛЕ́НОВ/ЫЙ, -ая, -ое гобеленга оид, гобелендан қилинган; гобелен...; **~ая оби́вка** гобелен қоплама.

ГОБОИ́СТ *м* гобойчи, гобой чалувчи созанда.

ГОБО́Й *м* гобой (пуфлаб чалинадиган ёғоч музика асбоби).

ГОВАРИВА́ТЬ *несов. многокр. разг.* қайта-қайта гапиравермоқ, такрорламоқ, кўп гапирмоқ.

ГОВЕ́НЬЕ *с по гл.* **гове́ть.**

ГОВЕ́ТЬ *несов. рел.* пост маҳалида гўштли-сутли овқат емаслик.

ГО́ВОР *м* 1 сўзлашувчилар товуши, гангир-гунгур (ғўнғир-ғўнғир) гап; гангир-гунгур (ғўнғир-ғўнғир) овоз; **У́тром я просну́лся от ~а люде́й** (Арсе́ньев) Мен эрталаб одамларнинг ғўнғир-ғўнғир овозидан уйғониб кетдим; 2 *перен.* қушларнинг чуғур-чуғур овози; сувнинг шилдираши ва ҳ. к.; 3 *прост.* миш-миш гап, шов-шув овоза; 4 ўзига хос талаффуз; талаффуз хусусияти; 5 *лингв.* лаҳжа (бир шеванинг маҳаллий кўриниши); **среднеру́сские ~ы** ўрта рус лаҳжалари.

ГОВОРИ́ЛЬНЯ *ж, р. мн.* **-лен** *разг. пренебр.* гап бозори, иш ўрнига гап сотиш, қуруқ гапбозлик.

ГОВОРИ́Т/Ь *несов.* 1 гапирмоқ, сўзламоқ, тилдан фойдаланмоқ; **на узбе́кском языке́ ~ бо́лее двена́дцати милли́онов челове́к** ўзбек тилида ўн икки миллиондан ортиқ одам сўзлашади; **ребёнок ещё не ~** бола ҳали гапирмайди, боланинг тили ҳали чиққани йўқ; 2 бирор тилда гаплаша

www.ziyouz.com kutubxonasi

олмоқ, бирор тилни билмоқ; **он ~ по-ру́сски** у русча (рус тилида) гапириша олади; у рус тилини билади; **свобо́дно ~ь по-неме́цки** немисча (немис тилида) бемалол гапириш-моқ; 3 *что, о ком-чём* и *без доп.* фикр изҳор қилмоқ, гапирмоқ, сўзламоқ, айтмоқ, демоқ; **~ь пра́вду** ҳақиқатни гапирмоқ, ростини айтмоқ; **~ь с уве́ренностью** ишонч билан гапирмоқ; **что он ~?** у нима деяпти?; **он ~, что не пое́дет** у бормайман деяпти; 4 айтишларича, одамлар дейдилар; **говоря́т, он нелюди́м** айтишларича, у одамларга аралашмас эмиш; 5 *о ком-чём* сўз юритмоқ, баҳс этмоқ, баён қилмоқ, гапирмоқ (ёзма ёҳуд оғзаки); **~ь о поли́тике** сиёсатдан гапирмоқ, сиёсат ҳақида сўз юритмоқ; **в кни́ге а́втор ~ о свои́х разыска́ниях** китобда автор ўз изланишлари ҳақида сўз юритади; 6 *кому-чему* бирор фикр билдирмоқ, ҳис-туйғу уйғотмоқ; ҳикоя қилмоқ; **всё в музе́е сла́вы ~ нам о по́двиге отцо́в** шуҳрат музейидаги ҳамма нарса бизга ота-боболаримиз жасоратидан ҳикоя қилади; 7 *с кем* гаплашмоқ, сўзлашмоқ, суҳбатлашмоқ, гурунглашмоқ; **~ь по телефо́ну** телефон орқали сўзлашмоқ; **~ь ме́жду собо́й** ўзаро гаплашмоқ; **~ь со студе́нтами** студентлар билан гаплашмоқ; 8 *о ком-чём* кўрсатмоқ, дарак бермоқ, далолат бермоқ, гувоҳлик бермоқ; англатмоқ; **э́ти фа́кты говоря́т о мно́гом** бу фактлар жуда кўп нарсаларни кўрсатади; 9 *перен. в ком* кўринмоқ, намоён бўлмоқ; **в нём ~ со́бственник** унинг ҳарислиги кўринib турибди; ✦ **говоря́т вам (или тебе́)** сизга (сенга) айтдим-ку, мен сизга (сенга) нима деяпман; **не говоря́ (уж)...** ҳисобга олмаганда; ...дан ташқари; **~ь зага́дками** илмоқли қилиб гапирмоқ, муаммоли гапирмоқ; **~ь на ра́зных языка́х** бир-бирини тушунмаслик; **ина́че говоря́** бошқача қилиб айтганда, бошқа сўз билан айтганда; **по со́вести говоря́** виждон билан айтганда; **и не ~е э**, нимасини айтасиз; тўппа-тўғри гап; **не́чего ~ь или что и ~ь** бир нарса дейиш қийин; **что (или как) ни говори́** ҳар ҳолда, шундай бўлса ҳам.

ГОВОРИ́Т/ЬСЯ *несов.* 1 сўз юритилмоқ, сўзланмоқ, гапирилмоқ, айтилмоқ, дейилмоқ, баҳс қилинмоқ, баён этилмоқ; **в статье́ ~ся о достиже́ниях институ́та** мақолада институтнинг муваффақиятлари ҳақида гапирилади; 2 *без доп.* гапиргиси (гаплашгиси) келмоқ; **что ты молчи́шь?— Да так, не ~ся что-то** нимага индамайсан? — Шундай, нима учундир гапиргим (гаплашгим) келмаяпти; 3 *страд. от* **говори́ть;** ✦ **как говори́тся** *вводн. сл.* айтганларидек, айтилганидек; **коммента́рии, как говори́тся, излишни** айтганларидек, изоҳнинг ҳожати йўқ.

ГОВОРЛИ́ВЫЙ, -ая, -ое 1 сергап, кўп гапирадиган, ҳеч кимга гап бермайдиган, эзма; **~ челове́к** сергап одам; 2 *перен.* шилдировчи, шилдир-шилдир оқувчи; **~ ручеёк** шилдираб оқувчи жилға.

ГОВОРУ́Н *м, р.* **-а́** *разг.* гапдон одам, маҳмадона, бижилдоқ, қақилдоқ.

ГОВОРУ́НЬЯ *ж, р. мн.* **-ний** *см.* **говору́н.**

ГОВЯ́ДИН/А *ж* мол гўшти, сўқим гўшти.

ГОВЯЖ/ИЙ, -ья, -ье 1 мол гўштидан қилинган, тайёрланган; **~ьи котле́ты** мол гўштидан қилинган котлет; **~ий сту́день** мол калла-почасидан тайёрланган илвира; 2 молга оид; молдан олинган; мол...; **~ье са́ло** мол ёғи.

ГО́ГОЛ/Ь *м* гоголь, хитой ўрдак; ✦ **ходи́ть ~ем** *разг.* ғоз юриш қилмоқ, виқор билан (кўкрак кериб, гердайиб) юрмоқ.

ГО́ГОЛЬ-МО́ГОЛЬ *м* гоголь-моголь (шакарга қорилган тухум сариғи).

ГО́ГОТ *м* 1 ғознинг ғақиллаган овози, ғақ-ғақи; 2 *прост.* қаҳқаҳа, қаттиқ кулги; хахолаб кулиш; **~ купа́ющихся** чўмилаётганларнинг қаҳқаҳаси.

ГОГОТА́НЬЕ *с по гл.* **гоготать.**

ГОГОТА́ТЬ, -очу́, -о́чешь *несов.* 1 ғақилламоқ, ғақ-ғақ қилмоқ (ғоз ҳақида); 2 *прост.* қаттиқ кулмоқ, хахолаб, қаҳ-қаҳ отиб кулмоқ; **~ от удово́льствия** маза қилиб қаҳ-қаҳ отмоқ.

ГОД *м, мн.* **года́** и **го́ды** 1 *р. мн.* **лет** йил; сана; **в теку́щем ~у́** шу йил, шу йили, шу йилда; **урожа́йный ~** ҳосил йили; **четы́ре вре́мени ~а** йилнинг тўрт фасли; 2 *р. мн.* **лет** и *уст. прост.* **годо́в** йил, ўн икки ой; **за́ ~ до э́того** бундан бир йил бурун; **раз в ~у́** йилда бир марта; **на тре́тьем ~у́ обуче́ния** учинчи ўқув йилида; 3 *р. мн.* **лет** и *уст. прост.* **годо́в** ёш; **ма́льчику два го́да** бола икки ёшда; 4 *р. мн.* **годо́в** йил (бирор процесснинг бошланишидан тугалланганигача ўтадиган вақт); **бюдже́тный ~** бюджет йили; **хозя́йственный ~** хўжалик йили; **учёбный (или академи́ческий) ~** ўқув йили; 5 *мн.* **го́ды,** *р.* **годо́в** йиллар (ўн йилликлар); **шестидеся́тые го́ды про́шлого столе́тия** ўтган асрнинг олтмишинчи йиллари; 6 *мн.* **года́** и **го́ды,** *р.* **годо́в** йиллар (маълум вақт оралиғи, давр); **го́ды де́тства** болалик йиллари, болалик даври; **го́ды Вели́кой Оте́чественной войны́** Улуғ Ватан уруши йиллари, даври; 7 *мн.* **года́** и **го́ды,** *р.* **годо́в** ёш, йиллар; **года́ вы́шли** ёш ўтди, энди қариб қолдик; **он в года́х** у қариб (кексайиб) қолган, у анча ёшга борган; **вы вы́глядите не по года́м** солидным сиз ёшлигингизга қарамасдан басавлат кўринасиз; ✦ **кру́глый ~** йил бўйи, йил-ўн икки ой, тинимсиз; **с года́ми** йиллар ўтиши билан, вақт ўтган сари; **без го́ду неде́ля** *шутл.* яқинда, яқиндагина; **~ от году и ~ от го́да** йилдан-йилга. йил сайин; **из го́да в ~** йиллар давомида, неча йиллар.

ГОДА́МИ *нареч.* 1 йиллаб, бир неча йил давомида. неча-неча йил; 2 *прост.* баъзи йиллар, баъзи йилларда.

ГО́ДИК *м уменьш.-ласк. от* **год** 1, 2; **~о́в пять** беш йилча, беш йил чамаси.

ГОДИ́НА *ж высок.* йил, вақт, замона; **тяжёлая ~** оғир йил; **~испыта́ний** оғир синов йили.

ГОДИ́Т/ЬСЯ, гожу́сь, годи́шься *несов.* ярамоқ, яроқли бўлмоқ, керак бўлмоқ, асқотмоқ; **э́та доска́ ни на что не ~ся** бу тахта ҳеч нарсага ярамайди; **так поступа́ть не ~ся** бундай қилиш ярамайди (яхши эмас); **Вы меня́ не обега́йте, я гожу́сь на мно́гое** (А. Островский) Сиз мендан ўзингизни олиб қочманг, мен кўп керак бўламан; ✦ **~ься в отцы́ (в ма́тери, в сыновья** и т. п.) *разг.* кимсанинг отаси (онаси, ўғли ва ҳ. к.) тенги бўлмоқ; **он тебе́ ~ся в отцы́** у сенинг отанг тенги келади.

ГОДИ́ЧН/ЫЙ, -ая, -ое 1 йиллик, бир йиллик, йил давомида бўладиган; **~ый о́тпуск** (бир) йиллик отпуска; **~ые изде́ржки** (бир) йиллик харажатлар; 2 йилда бир бўладиган, йиллик; **~ое собра́ние** йиллик мажлис; ✦ **~ые ко́льца** (или слой) *бот.* йиллик ҳалқа, қатлам (дарахтда).

ГО́ДНОСТЬ *ж* яроқлилик; лаёқатлилик; **определя́ть ~ семя́н к посе́ву** уруғнинг экишга яроқлилигини аниқламоқ.

ГОДН/ЫЙ, -ая, -ое; -ден, -дна́, -дно яроқли, лаёқатли; ярайдиган; **вода́, ~ая для питья́** ичишга яроқли (ичса бўладиган) сув; **~ый к физи́ческому труду́** жисмоний меҳнатга яроқли, лаёқатли.

ГОДОВА́Л/ЫЙ, -ая, -ое бир ёшли, бир ёш, бир яшар; **~ый ребёнок** бир яшар бола; **~ая тёлка** бир яшар бузоқ.

ГОДОВ/О́Й, -а́я, -о́е 1 йиллик, бир йиллик, бир йил давомидаги, бир йилга мўлжалланган; **~о́й дохо́д** бир йиллик даромад; **~о́й запа́с** бир йиллик запас; **~а́я оце́нка** йиллик баҳо; 2 *уст. то же, что* **годи́чный** 2.

ГОДОВЩИН/А *ж* йиллик (юбилей, байрам, маросим); **Шестидеся́тая ~а Вели́кой Октя́брьской социалисти́ческой револю́ции** Улуғ Октябрь социалистик революциясининг олтмиш йиллиги; **в пя́тую ~у сва́дьбы** тўйнинг беш йиллиги маросимида.

ГОДО́К *м, р.* **-дка́** 1 *уменьш. от* **год** 1, 2; 2 *прост.* тенгдош, тенгқур; **де́д-то ваш мне ~** бобонгиз мен билан тенгдош.

ГОЛ *м спорт.* 1 *уст.* дарбоза; 2 гол; **заби́ть ~** гол (тўп) киритмоқ, гол (тўп) урмоқ.

ГОЛА́ВЛЬ *м* зоғорабалиқ.

ГОЛЕНАСТ/ЫЙ, -ая, -ое 1 узуноёқ, узун оёқли, оёғи узун; 2 *мн.* **~ые** *зоол.* узуноёқлилар (оёғи, бўйни ва думшуғи узун қушлар туркуми).

ГОЛЕНИ́ЩЕ *с* қўнж, соғ.

ГОЛЕНОСТО́ПНЫЙ: ~ суста́в *анат.* болдир суяги билан товон суягини бириктирувчи бўғин.

ГО́ЛЕНЬ *ж* болдир.

ГОЛЕ́Ц *м, р.* **-льца́** *зоол.* 1 дарё балиқларининг зоғора балиқлар оиласига мансуб бир тури; 2 лосослар оиласига мансуб бир турли балиқ.

ГОЛИК *м, р.* **-а́** чўп супурги.

ГОЛКИПЕР *м то же, что* **вратарь.**

www.ziyouz.com kutubxonasi

ГОЛЛА́НДЕЦ *м, р.* **-дца** голланд, голландиялик эр киши; *см.* **голла́ндцы.**

ГОЛЛА́НДКА I *ж, р. мн.* **-док** голланд аёл; *см.* **голла́ндцы.**

ГОЛЛА́НДКА II *ж, р. мн.* **-док** *разг.* 1 голландка, голландча печка; 2 голландка (сигир, товуқ нави).

ГОЛЛА́НДСК/ИЙ, -ая, -ое Голландияга ва голландларга оид; голландча; Голландия..; голланд(лар)...; **~ий сыр** голланд пишлоғи; **~ая поро́да кур** товуқларнинг голланд нави; **~ое иску́сство** Голландия санъати, голландлар санъати; **~ий язы́к** голланд тили; ✦ **~ая печь** голландча печка, голландка.

ГОЛЛА́НДЦЫ *мн. (ед.* **голла́ндец** *м,* **голла́ндка** I *ж)* голландлар, голландияликлар (Голландиянинг асосий аҳолисини ташкил этган халқ).

ГОЛОВ/А́ *ж, вин* **го́лову.** *мн.* **го́ловы,** *р. мн.* **голо́в,** *дат.* **голова́м** 1 бош, калла; **пону́рить го́лову** бошни қуйи солмоқ, осилтирмоқ; **ра́нен в го́лову** бошидан яраланган; 2 бош, туёқ сони; **сто голо́в ове́ц** юз бош қўй; 3 *перен.* ақл, мия, бош, калла; **челове́к с ~о́й** ақлли (мияли) одам, калласи ишлайдиган одам; 4 *перен.* бирор хислат-фазилатга эга бўлган киши, бирор хислат-фазилат эгаси; **он у́мная ~а́** у ақлли (доно) одам; **горя́чая ~а́** ўт одам, олов; **ве́треная ~а́** енгилтак одам; 5 *м и ж перен. чего* или *кому-чему разг.* бошлиқ, бош, иш боши, саркор; **он всему́ де́лу ~о́й** у ҳамма ишга бош (бош-қош); **городско́й ~а́** *уст.* шаҳар бошлиғи; шаҳар ҳокими; 6 *перен. чего* олдинги қисм, олдинги қатор, бош; **~а́ колО́нны** колоннанинг олдинги қисми, боши; **идти́ в ~е́** олдинда (олдинги қаторда, сафда) бормоқ; 7 калла; **~а́ са́хару** бир калла қанд; **~а́ сы́ру** бир калла сир; ✦ **в пе́рвую го́лову** аввало, даставвал, биринчи галда, биринчи навбатда; **в ~а́х** тепасида, бошида; **на го́лову** *чью* (обру́шиться, посы́паться и т. п.) бошига (тушмоқ); **с ~ы́** киши бошига, жон бошига; ҳар бир кишидан; **вы́дать ~о́й** *уст.* тутиб бермоқ, хоинлик қилмоқ; **вы́дать (себя́) с ~о́й** ўз башарасини кўрсатмоқ; ўз сирини фош қилмоқ; **(есть) ~а́ на плеча́х** ақли (калласи) бор; **на све́жую го́лову** бош (мия) жойидалигида; **с ~о́й погрузи́ться (или окуну́ться, уйти́)** бутун вужуди билан берилиб, муккасидан кетиб; **с ~ы́ до ног** или **с ног до ~ы́** бошдан-оёқ; **вооружённый с ~ы́ до ног** тиш-тирноғи билан қуролланган; **сам себе́ ~а́** ўзига-ўзи хўжайин, ўзи хон, кўланкаси майдон; **ходи́ть на ~е́** бошга чиқиб кетмоқ, ҳамма ёқни бошга кўтармоқ (асосан тўполончи болалар ҳақида); **(быть) ~о́й** (или **на́ го́лову**) **вы́ше** *кого* бир поғона юқори (баланд, устун) турмоқ; **на свою́ го́лову** *разг.* ўз зарарига; ўзига-ўзи; ўз бошига (дахмаза, ташвиш ва ҳ. к. орттирмоқ);**сказа́ть на свою́ го́лову** айтиб балога қолмоқ; **отвеча́ть ~о́й** *за кого-что* боши билан жавоб бермоқ, масъулиятни ўз устига олмоқ; **го́лову потеря́ть** ўзини йўқотиб қўймоқ, гангиб (эсанкираб) қолмоқ; **го́лову пове́сить** (или **ве́шать**) *разг.* маъюсланмоқ, тарвузи қўлтиғидан тушмоқ; **с больно́й ~ы́ на здоро́вую** *разг.* ўз айбини бировга тўнкаш; **~а́ боли́т** *у кого о чём* ташвишланяпти, қайгуряпти; **че́рез го́лову** бевосита масъул шахсдан бемаслаҳат, бош оша; **на́ ~у сесть** бошга чиқиб олмоқ.

ГОЛОВА́Н *м обл. и прост.* калласи катта одам (ёки ҳайвон); каллахум, хумкалла, каллакдор.

ГОЛОВА́СТИК *м* 1 итбалиқ (қурбақа боласи); 2 *прост. шутл. то же, что* **голова́н.**

ГОЛОВЕ́ШКА *ж, р. мн.* **-шек** сўхта ўтин, сўхта, чала, куюк.

ГОЛОВИ́ЗН/А *ж* қизил балиқнинг боши ва орқа суяклари; **суп с ~ой** қизил балиқ боши солинган шўрва.

ГОЛО́ВКА *ж, р. мн.* **-вок** 1 кичкина бош, бошча, бошгина; 2 *разг.* бошлиқлар, раҳбарлар; 3 головка, бош, каллак, қалпоқ, қалпоқча; **~ шатуна́** шатун головкаси; **~ винта́** винт қалпоқчаси; **~ лу́ка** бир бош пиёз; 4 *мн.* **голо́вки** бошлиқ (этикнинг бошлиғи).

ГОЛОВН/О́Й, -а́я, -о́е 1 бошга, мияга оид; бош...; **~а́я боль** бош оғриғи; **~о́й мозг** (бош) мия; 2 бошга қийиладиган, ўраладиган; бош...; **~о́й убо́р** бош кийими; 3 бош, олдинги, илғор; **~о́й отря́д** илғор отряд; 4 юқорида, энг бошда жойлашган, бош; **~о́е сооруже́ние** бош иншоот; 5 бош, марказий; **~о́е предприя́тие** бош корхона; **~о́й институ́т** бош (марказий) институт.

ГОЛОВНЯ́ *ж* 1 сўхта ўтин; сўхта, чала куюк; 2 қоракуя; **овся́ная ~** арпа қоракуяси; **пшени́чная ~** буғдой қоракуяси.

ГОЛОВОКРУЖЕ́НИЕ *с* бош айланиш, гангиш, эсанкираш; **испы́тывать ~** бош айланмоқ, гангимоқ; ✦ **~ от успе́хов** ютуқлардан эсанкираш.

ГОЛОВОКРУЖИТЕЛЬН/ЫЙ -ая, -ое; -лен, -льна 1 бошни айлантирадиган, гангитадиган; **~ая высота́** бошни айлантирадиган баландлик; 2 *перен.* ҳайратда қолдирадиган, фавқулодда; **~ый успе́х** ҳайратда қолдирадиган ютуқ, фавқулодда муваффақият.

ГОЛОВОЛО́МК/А *ж, р. мн.* **-мок** душвор масала, жумбоқ, муаммо; **зада́ть ~у** душвор масала (ёки вазифа) бермоқ, ўйлатиб қўймоқ.

ГОЛОВОЛО́МНЫЙ, -ая, -ое; -мен, -мна бош қотирадиган, қийин, мураккаб, мушкул, душвор, жумбоқли; **~ вопро́с** бош қотирадиган савол, жумбоқли масала.

ГОЛОВОМО́Й/К/А *ж, р. мн.* **-о́ек** қаттиқ қойиш, уришиш гап; **получи́ть ~у** қаттиқ гап эшитмоқ.

ГОЛОВОНО́ГИ/Й: ~е моллю́ски *зоол.* бош-оёқли моллюскалар.

ГОЛОВОРЕ́З *м разг.* 1 ҳеч нарсадан қўрқмайдиган, қўрқмас, довюрак; 2 каллакесар, безори, бандит, газанда.

ГОЛОВОТЯ́П *м разг.* каллаварам, уқувсиз ходим (ёки раҳбар).

ГОЛОВОТЯ́ПСТВО *с разг.* каллаварамлик, ишда уқувсизлик.

ГОЛО́ВУШКА *ж, р. мн.* **-шек** *разг.* и *нар.-поэт.* бош, калла, бошгина; **бу́йная ~** ерга урса кўкка сакрайдиган одам, авбош; **пропа́ла моя́ ~** балога қолган бошгинам, бошгинам балога қолди, ўлдим.

ГО́ЛОД *м* 1 очлик, очиққанлик, қорин очган ҳолат; **утоли́ть ~** очликни қондирмоқ, қоринни тўйдирмоқ; **мори́ть ~ом** оч қолдириб қийнамоқ (ёки ўлдирмоқ); 2 очарчилик, қаҳатчилик; 3 *перен.* етишмовчилик, камчиллик, зориқиш, зорлик; **кни́жный ~** китоб камчиллиги, китобга зориқиш (зорлик).

ГОЛОДА́НИЕ *с* очиқиш, оч қолиш, очлик.

ГОЛОДА́ТЬ *несов.* 1 очиқмоқ, оч қолмоқ, очин-тўқин яшамоқ; 2 очиқмоқ, зориқмоқ, чанқоқлик ҳис этмоқ, зор бўлмоқ.

ГОЛОДАЮЩ/ИЙ, -ая, -ее 1 *прич. от* **голода́ть;** 2 *в знач. сущ.* **~ий** *м* оч; **по́мощь ~им** очларга ёрдам.

ГО́ЛОДНО *нареч.* 1 оч, оч ҳолда; очин-тўқин; 2 *в знач. сказ.* ҳамма оч, очлик (очарчилик) ҳукм суради; **В го́роде бы́ло уже́ ~, не всегда́ хвата́ло хле́ба** (Паусто́вский) Шаҳарда очлик бошланган, нон кўпинча етишмас эди.

ГОЛО́ДН/ЫЙ, -ая, -ое; го́лоден, -дна́, -дно 1 оч, очиққан, оч қолган; **~ый волк** оч бўри; **на ~ый желу́док** оч қоринга; 2 очликдан, очарчиликдан содир бўлган; очлик натижасидаги; **~ая смерть** очликдан ўлиш; 3 экин битмаган, озиқ-овқат тақчил бўлган, очарчилик ҳукм сурган; **~ое вре́мя** очарчилик вақти; 4 *разг.* қорин тўймайдиган; нимчала, чалақурсоқ; **~ый обе́д** қорин тўймайдиган (тўяртўймас) овқат.

ГОЛОДО́ВК/А *ж, р. мн.* **-вок** 1 *разг. то же, что* **голода́ние;** 2 норозилик билдириб овқатдан воз кечиш, очлик; **объяви́ть ~у** очлик эълон қилмоқ.

ГОЛОДРА́НЕЦ *м, р.* **-нца** *прост.* қашшоқ, гадо, йўқсил, чувринди, жулдурвоқи.

ГОЛОДУ́ХА *ж прост. то же, что* **голода́ние.**

ГОЛОЛЁД *м то же, что* **гололе́дица.**

ГОЛОЛЕ́ДИЦА *ж* яхвонлик.

ГОЛОНО́ГИЙ, -ая, -ое 1 *разг.* ялангоёқ, сарпойчан; **~ ма́льчик** ялангоёқ бола; 2 туксиз оёқли, ширроёқ; **~ стра́ус** ширроёқ туяқуш.

ГОЛОПУ́ЗЫЙ, -ая, -ое *прост.* 1 қорни очиқ, ялан... 2 чувринди, жулдурвоқи, жулдир.

ГОЛОС *м, мн.* **-а́** 1 товуш овоз садо, сас; **~ ловья́** булбул овози; **~ ве́тра** шамол товуши; **послы́шались мужски́е голоса́** эркакларнинг овози эшитилди; **я узна́л вас по ~у** мен сизни овозингиздан (товушингиздан) танидим;

www.ziyouz.com kutubxonasi

повы́сить ~ 1) овозни баландлатмоқ (кўтармоқ); 2) *перен.* ўдағайламоқ, бақирмоқ, дағ-даға қилмоқ, кекирдак чўзмоқ; 2 мусиқий товуш, овоз; **потеря́ть** ~ овозини йўқотмоқ; **быть в ~е** овози жойида бўлмоқ, овози яхшилик; **рома́нс для же́нского ~а** хотинлар овози учун ёзилган романс; **рома́нс для двух ~о́в** икки овоз учун ёзилган романс; 3 *перен. чего* или *какой* амр, нидо; ~ **се́рдца** қалб амри; юрак нидоси; 4 *перен.* фикр, мулоҳаза, овоз; ~ **масс** омманинг фикри, овози; ~**а́ чита́телей** ўқувчиларнинг фикри, овози; 5 овоз (сайлов, мажлис ва ҳ. к. да); **пра́во ~а** овоз бериш ҳуқуқи; ~**а́ избира́телей** сайловчилар овози; **совеща́тельный** ~ маслаҳат овози; **подсчита́ть ~а́** овозларни ҳисоблаб чиқмоқ, овозларни санамоқ; ✦ **в один** ~ 1) бир овоздан, бир оғиздан; 2) якдиллик билан; **во весь** ~ бор овоз билан, овозининг борича, баралла; **в** ~ или **не свои́м ~ом** (крича́ть, пла́кать) бақириб, шанғиллаб; **с чужо́го ~а** бировнинг тили билан, бошқаларнинг кўрсатмаси билан.

ГОЛОСЕМЯ́ННЫЕ *мн., р.* **-ых** *бот.* яланғоч (очиқ) уруғлилар (уруғи очиқ ўсимликлар).

ГОЛОСИ́СТЫ/Й, -ая, -ое 1 овози баланд, ширали, хушовоз; ~**е соловьи́** хушовоз булбуллар; ~**й запева́ла** овози баланд бошловчи; 2 қаттиқ, чинқириқ.

ГОЛОСИ́ТЬ, -ошу́, -оси́шь *несов.* 1 *уст.* айтиб йиғламоқ, ув тортмоқ (маросимларда); 2 *что прост.* баланд овоз билан ашула айтмоқ, куйламоқ; шовқин солмоқ, қичқирмоқ, бақирмоқ.

ГОЛОСЛО́ВН/ЫЙ, -ая, -ое; -вен, -вна *қуруқ гапдан иборат бўлган, далилсиз, бирор далилга, фактга асосланмаган;* ~**ое обвине́ние** асоссиз айблаш (айблов).

ГОЛОСОВА́НИ/Е *с* 1 овоз бериш; овозга қўйиш; овоз; **всео́бщее ~е** ялпи овозга қўйиш; ялпи овоз бериш; **откры́тое ~е** очиқ овоз бериш; **та́йным ~ем** яширин овоз билан; яширин овоз бериш йўли билан; **поста́вить на ~е** овозга қўймоқ; **воздержа́ться от ~я** овоз беришда бетараф қолмоқ; 2 *разг.* қўл кўтариш (автотранспортни тўхтатиш учун).

ГОЛОСОВА́ТЬ, -су́ю, -су́ешь *несов.* 1 (*сов.* **проголосова́ть**) *за кого-что* овоз бермоқ; ~ **за кандида́тов бло́ка коммуни́стов и беспарти́йных** коммунистлар ва партиясизлар блоки номзодларига овоз бермоқ; 2 *что* овозга қўймоқ; ~ **предложе́ние** таклифни овозга қўймоқ; 3 *разг.* қўл кўтармоқ (автотранспортни тўхтатиш учун).

ГОЛОСОВ/О́Й, -а́я, -о́е товушга (товуш чиқаришга) оид; товуш чиқариш учун хизмат қиладиган, товуш чиқарадиган, товушлоғич; товуш...; ~**ы́е да́нные** товушнинг яхши-ёмонлиги, хушовозлилик; ~**о́й аппара́т** товушлоғич аппарат, нутқ аппарати; ~**ы́е свя́зки** товушлоғич пайчалар, товуш пайчалари.

ГОЛОШЕ́ЙЙ, -яя, -ее бўйни очиқ, бўйни яланғоч, ширбўйин.

ГОЛОШТА́ННИК *м груб. прост.* иштони ҳам йўқ одам, қашшоқ, гадо, жулдурвоқи.

ГОЛОШТА́ННЫЙ, -ая, -ое *груб. прост.* иштони ҳам йўқ, қашшоқ, гадо, жулдурвоқи.

ГОЛУ́БА *ж прост. то же, что* **голу́бчик.**

ГОЛУБЕВО́ДСТВО *с* каптарчилик.

ГОЛУБЕ́/ТЬ -е́ет *несов.* 1 (*сов.* **поголубе́ть**) ҳаво ранг (тус)га кирмоқ, ҳаво ранг (зангори) тус олмоқ, мовийлашмоқ; **не́бо ~ет** ҳаво мовийлашмоқда; 2 ҳаво ранг бўлиб кўринмоқ; кўкариб турмоқ; **вдали́ ~ло мо́ре** узоқда денгиз ҳаво ранг бўлиб кўриниб туради; **в траве́ ~ют незабу́дки** ўтлар орасида бўтакўз кўкариб кўриниб турибди.

ГОЛУБИЗНА́ *ж* мовий (ҳаво) ранг; мовийлик, зангорилик; ~ **мо́ря** денгизнинг мовийлиги; денгизнинг мовий ранги.

ГОЛУБИ́КА *ж* голубика (шимол ботқоқликларида ўсадиган мевали бута ва унинг тўқ кўк меваси).

ГОЛУБИ́Н/ЫЙ, -ая, -ое 1 каптарга оид; каптар...; ~**ое яйцо́** каптар тухуми; ~**ая по́чта** каптар почтаси (ўргатилган каптарлар воситасида хат-хабар юбориш); 2 *перен. уст.* юмшоқ, мулойим, ройиш.

ГОЛУ́БИТЬ, -блю, -бишь *несов. кого нар.-поэт.* эркаламоқ, эркалатмоқ, ардоқламоқ, суймоқ.

ГОЛУБИ́ЦА I *ж обл. то же, что* **голуби́ка.**

ГОЛУБИ́ЦА II *ж книжн. уст.* 1 *то же, что* **голу́бка** 1; 2 *перен.* иффатли қиз, маъсума.

ГОЛУ́БКА *ж, р. мн.* **-бок** 1 урғочи каптар; 2 *разг.* жоним, севиклим, азизам.

ГОЛУБОВА́ТЫЙ, -ая, -ое кўкка мойил, кўкимтир, кўкроқ, кўкиш.

ГОЛУБ/О́Й, -а́я, -о́е ҳаво ранг, зангори, мовий; ~**о́е не́бо** мовий осмон; ~**ы́е глаза́** кўк кўз; ✦ ~**о́й песе́ц** ҳаво ранг (оқ) тулки; ~**а́я кровь** *уст* аслзода, таги-тахти тоза, зодагон; ~**о́е то́пливо, ~о́е зо́лото** зангори ёқилғи (газ); ~ **о́й экра́н** зангори экран (телевизор).

ГОЛУБО́К *м, р.* **-бка́** 1 *уменьш.-ласк. от* **го́лубь;** 2 *прост. то же, что* **голу́бчик.**

ГОЛУ́БУШКА *ж, р. мн.* **-шек** жоним, жонгинам, азизам.

ГОЛУБЦЫ́ *мн* (*ед.* **голубе́ц** *м*) голубци, карам дўлма.

ГОЛУ́БЧИК *м разг.* азизим, жоним (кўпинча, эркакларга нисбатан ишлатилади); — **Дя́дя! голу́бчик! позво́льте мне тепе́рь уе́хать!** (Салтыков-Щедрин) Амакижон! Жон амаки! энди менга рухсат этинг, мен кетай!

ГО́ЛУБЬ *м* 1 каптар, кабутар; **си́зый** ~ кўк каптар; **почто́вый** ~ почта каптари (хат ташувчи каптар); 2 *прост. то же, что* **голу́бчик;** ✦ ~ **ми́ра** *высок.* тинчлик кабутари (оқ каптар ёки унинг расми — тинчлик рамзи).

ГОЛУБЯ́ТИНА *ж* каптар гўшти.

ГОЛУБЯ́ТНИК *м* 1 каптарбоз; 2 каптарни оладиган қуш (қирғий, лочин, қарчиғай); 3 *разг. то же, что* **голубя́тня.**

ГОЛУБЯ́ТНЯ *ж, р. мн.* **-тен** каптархона (хонаки каптар уяси).

ГО́Л/ЫЙ, -ая, -ое 1 яланғоч; очиқ; ~**ый ребёнок** яланғоч бола; ~**ая ше́я** очиқ (яланғоч) бўйин; **с ~ыми нога́ми** яланг оёқ; сарпойчанг; 2 *разг.* шир яланғоч, ҳеч нарсаси йўқ, қашшоқ; 3 очиқ, яланг, қуп-қуруқ, яланғоч, қоқ; ~**ые деревья́** яланғоч дарахтлар, япроқсиз (япроғи тўкилган) дарахт; ~**ая степь** қақир (тақир) чўл; ~**ый про́вод** очиқ сим; **спать на ~ом матра́це** қоқ матрасда ухламоқ; 4 *перен. разг.* соф; қуруқ; ~**ая пра́вда** соф ҳақиқат; ~**ые ци́фры** қуруқ рақамлар; ~**ые фа́кты** қуруқ фактлар; 5 *разг.* ҳеч нарса аралашмаган, соф, тоза; ~**ый спирт** спиртнинг ўзи, соф спирт; ~**ая соль** *разг.* шундоқ туз, жуда шўр; арки намакоб; ✦ ~**ыми рука́ми (взять)** ҳеч нарсасиз, бирор воситасиз (олмоқ); осонгина (эгалламоқ); ~ **как соко́л** ҳеч нарсаси йўқ, қип-қизил яланғоч, қип-қизил гўшт; қоққанда қозиқ, осганда хурмача; ~**ые слова́** қуруқ гап; қуруқ ваъда.

ГОЛЫТЬБА́ *ж собир.* камбағаллар, қашшоқлар, бевабечоралар, ғариб-бенаволар.

ГОЛЫ́Ш, *м, р.* **-а́** 1 *разг.* яланғоч бола; яланғоч одам; 2 *уст.* қашшоқ одам; 3 текис (силлиқ) тош.

ГОЛЫ́ШКА *ж, р. мн.* **-шек** *разг.* яланғоч бола; **ку́кла-~** яланғоч қуғирчоқ.

ГОЛЫШО́М *нареч. разг.* яланғоч бўлиб, яланғоч ҳолда, қип-яланғоч.

ГОЛЬ *ж* 1 *собир. уст.* жулдурвоқилар, ялангоёқлар, қашшоқлар; ~ **перека́тная** бориб турган қашшоқ, қип-қизил гўшт, қип-яланғоч; 2 тақир ер, тақир.

ГОЛЬД *м см.* **го́льды.**

ГО́ЛЬДЫ *мн.* (*ед.* **гольд** *м*) *уст. то же, что* **нана́йцы.**

ГОЛЬЁ *с спец.* 1 калла-поча; 2 хом тери.

ГОЛЬЁМ *нареч. прост.* 1 ҳеч нарса аралаштирмай, соф ҳолда; 2 топ-тоза қилиб, қиртишлаб.

ГОЛЬТЕПА́ *ж собир. прост. то же, что* **голы́тьба.**

ГОЛЬФ *м спорт.* гольф (тўп ўйинларидан бири); **игра́ть в** ~ гольф ўйнамоқ; ✦ **брю́ки-~** *то же, что* **го́льфы** 1; **носки́ (чулки́)-~** *то же, что* **го́льфы** 2.

ГО́ЛЬФЫ *мн.* гольфи (1 тиззадан пастроқ тушиб турадиган манжетли калта шим; 2 болдирни тиззагача қоплаб турадиган резинали пайпоқ).

ГОЛЯКО́М *нареч. прост. то же, что* **голышо́м.**

ГОМЕОПА́Т *м* гомеопат (гомеопатия усули билан даволовчи врач).

ГОМЕОПАТИ́ЧЕСК/ИЙ -ая, -ое гомеопатияга оид; гомеопатик; ~**ая до́за** гомеопатик доза, жуда оз миқдор.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ГОМЕОПА́ТИЯ *ж* гомеопатия (катта дозаси кишини касал қиладиган дорилардан оз-оз бериб даволаш усули).

ГОМЕРИ́ЧЕСКИЙ: ~ смех (или хо́хот) қаҳ-қаҳ уриб кулиш; қаттиқ кулги, қаҳ-қаҳа.

ГОМОГЕ́ННЫЙ, **-ая**, **-ое** *книжн.* гомоген, таркиби, кели́б чиқиши жиҳатидан бир хил, бир жинсли; *ср.* **гетероге́нный.**

ГО́МОН *м разг.* ғовур-ғувур, ғўнғир-ғўнғир, гангир-гунгир, чуғур-чуғур, қий-чув; **пти́чий** ~ қушларнинг чуғур-чуғури; **В кла́ссах стоя́л шум и** ~ (Гайдар) Синфларда шовқин ва ғовур-ғувур ҳукм сурарди.

ГОМОН/И́ТЬ *несов. прост.* шовқин қилмоқ, ғовур-ғувур гаплашмоқ, чувиллашмоқ, чуғурлашмоқ; вақирлашмоқ; **~я́т де́ти** болалар чуғурлашмоқда; **За прире́чными ве́рбами разноголо́со ~и́ли лягу́шки** (Шолохов) Дарё бўйидаги самбиттоллар ортида қурбақалар ҳар мақомда вақирлар эди.

ГОМОСЕКСУАЛИ́ЗМ *м* гомосексуализм (ўз жинсидаги киши билан жинсий алоқада бўлиш).

ГОМОСЕКСУА́ЛЬНЫЙ, **-ая**, **-ое** гомосексуализмга оид; гомосексуал.

ГОН *м* 1 ҳайдаш, қувиш, қувлаш, суриш; пойга; 2 *охот.* қувиш; 3 қуйикиш; **пери́од** ~а қуйикиш даври; 4 *с.-х.* бир йўл, бир бориш-келиш (ер ҳайдашда, экишда, ўришда ва ҳ. к.); **длина́** ~а ер ҳайдашда тракторнинг бир бориши (келиши); **уча́сток с дли́нным** ~ом узун дала.

ГОНГ *м* бонг, занг; **уда́рить в** ~ бонг урмоқ.

ГОНДО́ЛА *ж* гондола (1 Венеция қайиғи; 2 ҳаво шари, дирижабль ва ш. к. нинг одам ўтирадиган ёки мотор ўрнатиладиган кажаваси).

ГОНДОЛЬЕ́Р *м* гондольер, гондола ҳайдовчи, гондола эшкакчиси.

ГОНДОЛЬЕ́РА *ж* гондольерлар қўшиғи.

ГОНЕ́НИ/Е *с* таъқиб қилиш, қувғин қилиш; таъқиб, қувғин, сиқув, жабр-зулм; **подве́ргаться ~ям** таъқиб қилинмоқ; таъқиб остига олинмоқ, жабр-зулм остида қолмоқ.

ГОНЕ́Ц *м, р.* **-нца́** чопар, хабарчи.

ГОНИ́ТЕЛЬ таъқиб этувчи, зулм қилувчи, жабрловчи, эзувчи, золим.

ГО́НК/А *ж, р. мн.* **-нок** 1 *разг.* қувиш, ҳайдаш; суриш; елдай учириш, елдириш; елиш; **сумасше́дшая ~а** ўлар-тириларига қарамай ҳайдаш (ёки югуриш, елиш); 2 *разг.* шошилиш, шошилтириш, тезобига олиш, бўл-бўл қилиш; бўл-бўл, қистов; 3 *спорт.* ким ўзди, ўзишиш, пойга; **па́русные ~и** елканли кемалар пойгаси; **автомоби́льные ~и** автомобиль пойгаси; ✦ **~а вооруже́ний** қуролланиш пойгаси, зўр бериб қуролланиш; **зада́ть ~у** *кому прост.* роса койимоқ, қаттиқ танбеҳ бермоқ.

ГОНОКО́КК *м* гонококк, сўзак микроби.

ГО́НОР *м разг.* кибр-ҳаво, ғурур, димоғ; манманлик, такаббурлик, димоғдорлик; **челове́к с ~ом** кибр-ҳавоси баланд одам, такаббур одам.

ГОНОРА́Р *м* гонорар, қалам ҳақи, қалам учи; **а́вторский** ~ авторлик гонорари.

ГОНОРА́РНЫЙ, **-ая**, **-ое** гонорарга оид; гонорар...; ~ **фонд** гонорар фонди.

ГОНОРЕ́ЙНЫЙ, **-ая**, **-ое** сўзак касаллигига оид; сўзак...

ГОНОРЕ́Я *ж* сўзак.

ГО́НОЧН/ЫЙ, **-ая**, **-ое** *спорт.* чопқир, пойгачи; пойга...; **~ая ло́дка** пойга қайиғи, пойгачи қайиқ; **~ый велосипе́д** пойга велосипеди, пойгачи велосипед.

ГОНТ *м собир.* гонт (том ёпиш учун ишлатиладиган тахтачалар).

ГОНТОВ/О́Й, **-а́я**, **-о́е** гонтли, гонт билан ёпилган; **~а́я кры́ша** гонт билан ёпилган том.

ГОНЧА́Р *м, р.* **-а́** кулол.

ГОНЧА́РН/ЫЙ, **-ая**, **-ое** кулолчиликка оид; кулолчилик...; **~ое произво́дство** кулолчилик саноати; кулолчилик; **~ые изде́лия** сопол буюмлар; **~ый круг** кулолчилик чархи.

ГО́НЧ/ИЙ, **-ая**, **-ее** 1 този; **~ая соба́ка** този ит; този; 2 *в знач. сущ.* **~ая** *ж то же, что* **го́нчая соба́ка.**

ГО́НЩИК *м спорт.* 1 пойгачи; 2 мол ҳайдовчи, подачи; 3 *обл.* сол ҳайдовчи, солчи.

ГОНЬБА́ *ж разг.* 1 қувлаш, ўзиш; от елдириш; 2 ҳайвонни қувиш, изидан тушиш (овда).

ГОНЯ́ТЬ *несов кого-что* 1 *то же, что* **гнать** 1—7; ~ **ло́шадь по мане́жу** отни манежда чоптирмоқ (чоптириб юрмоқ); ~ **мяч** тўп тепиб юрмоқ, тўпни у ёқдан бу ёққа тепмоқ; 2 *разг.* югуртирмоқ, иш буюриб сарсон қилмоқ; 3 *перен. прост.* бошдан-оёқ сўраб чиқмоқ, кўп сўраб қийнамоқ; ~ **на экза́мене** имтиҳонда кўп савол бериб қийнамоқ, бошдан-оёқ сўраб чиқмоқ; ✦ ~ **ло́дыря** бекор юрмоқ, сандироқламоқ, танбаллик қилмоқ.

ГОНЯ́ТЬСЯ *несов.* 1 *за кем-чем то же, что* **гна́ться;** ~ **за сла́вой** шуҳрат учун интилмоқ, шуҳрат кетидан қувмоқ; 2 *с кем-чем уст.* ким ўзди (ўзиш) ўйнамоқ, қувишмоқ, ўзишмоқ.

ГОП *межд.* ҳўп (сакрашда айтиладиган ундов сўз); **не говори́ гоп, пока́ не переско́чишь** *посл.* ирғиб ўтмай, «ҳўп» дема, олдиндан ҳовлиқма.

ГОПА́К *м, р.* **-а́** гопак (украин халқ рақси ва унинг куйи); **пляса́ть** ~ гопак куйига ўйнамоқ, гопакка рақс тушмоқ.

ГОР/А́ *ж, вин.* **го́ру**, *мн.* **го́ры**, *дат.* **-а́м** 1 тоғ; **кавка́зские ~ы** Кавказ тоғлари; **взбира́ться на** ~у тоққа чиқмоқ; 2 тепа, адр, тепалик; **ледяна́я ~а́** муз тепа; **ката́ться с ~ы** тепаликдан сирғаниб тушмоқ; 3 *мн.* **~ы** тоғлиқ жой; **жи́тели ~** тоғликлар, тоғлиқ жойларда яшовчилар, тоғлиқ жойларнинг аҳолиси; 4 *перен. чего, из чего* тоғ-тоғ, уюм-уюм, тўп-тўп, жуда кўп, бирталай; **~ы хло́пка** тоғ-тоғ пахта; **~ы му́сора** тўп-тўп ахлат, ахлат уюми; **~ы книг** тўп-тўп китоб, кўп китоб; 5 *в знач. нареч.* **~о́й** тоғ-тоғ бўлиб (қилиб); уюлиб (уйиб); **поду́шки лежа́ли ~о́й** ёстиқлар тоғ-тоғ бўлиб уюлиб ётарди; ✦ **~а́ с плеч свали́лась** елкадан тоғ ағдарилгандай бўлди; **пир ~о́й** *разг.* зўр базм; катта зиёфат; **стоя́ть ~о́й** *за кого-что* қаттиқ ҳимоя қилмоқ; **не за ~а́ми** узоқ эмас, яқин, яқин қолди; **наде́яться как на ка́менную ~у** бирор кимсага қаттиқ ишонмоқ, суянмоқ, орқа қилмоқ; **в ~у идти́** (или **поднима́ться** и т. п.) юқорилашмоқ, кўтарилмоқ; **под ~у идти́** (или **кати́ться** и т. п.) пастлашмоқ, орқага қараб кетмоқ.

ГОРА́ЗД, **-а**, **-о** *в знач. сказ. с неопр.* или *на что, в чём прост.* уста, эпчил, қойил қилади, дўндиради; **он на всё ~ у** ҳамма нарсага уста; у ҳар қанақа ишни дўндиради; ✦ **кто во что** ~ ҳар ким ўз билганича; бошбошдоқлик билан.

ГОРА́ЗДО *нареч.* анча, анчагина, хийла, кўп (бир неча) марта; ~ **лу́чше** анча яхши, бир неча марта яхши; **сего́дня ~ тепле́е** бугун кун анча иссиқ; **он ~ вы́ше бра́та** у акасидан (укасидан) анча баланд.

ГОРБ *м* 1 букур, чиқиқ; 2 ўркач; 3 *прост.* орқа, елка; 4 чиқиқ, бўртик, дўнг; **сострога́ть ~ на доске́** тахтанинг бўртигини рандалаб ташламоқ; ✦ **гнуть ~** бел букмоқ, белини қайиштирмоқ; **на своём ~у́ испыта́ть** ўз бошидан ўтказмоқ (кечирмоқ); **своим** (или **со́бственным**) **~о́м** ўз кучи билан, ўз меҳнати, ҳаракати билан.

ГОРБА́Т/ЫЙ, **-ая**, **-ое** 1 букур; букчайган; 2 *в знач. сущ.* **~ый** *м* букур одам; букур; **~ая** *ж* букур аёл; **~ого моги́ла испра́вит** *посл.* букур (ёмон одам) ўлганда тузалади; 3 эгик, букик; **букри; ~ый нос** қирғий бурун; **~ый мост** букри кўприк.

ГОРБИ́Н/А *ж* дўнг жой, бўртик, дўнглик, қабариқ, дўнг; **~ы доро́ги** йўлнинг дўнг жойлари; **нос с ~о́й** қирғий бурун, қаншари баланд бурун.

ГОРБИ́НКА *ж, р. мн.* **-нок** *уменьш. от* **горби́на.**

ГО́РБИТЬ, **-блю**, **-бишь** *несов.* (*сов.* **сго́рбить**) *что* букмоқ, эгмоқ, букчайтирмоқ; ~ **спи́ну** белни букмоқ, белни қайиштирмоқ.

ГО́РБИТЬСЯ, **-блюсь**, **-бишься** *несов.* 1 (*сов.* **сго́рбиться**) букчаймоқ, эгилмоқ, қаддини букмоқ; ~ **при ходьбе́** букчайиб юрмоқ, қаддини букиб юрмоқ; 2 дўппайиб чиқиб турмоқ, қаппайиб турмоқ.

ГОРБОНО́СЫЙ, **-ая**, **-ое** 1 қирғий бурун (одам); 2 дўнг тумшуқ (қуш, ҳайвон); ~ **борзо́й кобе́ль** дўнг тумшуқ този ит.

ГОРБУ́Н *м, р.* **-а́** 1 букур одам, букур; 2 ўркачли ҳайвон.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ГОРБУ́НЬЯ *ж, р. мн.* **-ний** букур аёл.

ГОРБУША I горбуша (денгиз балиқларидан бир тури).

ГОРБУША II *ж* сопи калта ўроқ.

ГОРБУШКА *ж, р. мн.* **-шек** горбуша (бўлка ноннинг чети, жилди).

ГОРБЫЛЬ *м, р.* **-ля́** *собир.* горбил, капантахта.

ГОРДЕЛИВО *нареч.* ғурур билан, виқор билан, мағрур, мағрурона.

ГОРДЕ́ЛИВОСТЬ *ж* мағрурлик, виқор.

ГОРДЕЛИ́В/ЫЙ, -ая, -ое ғурурли, мағрур, мағрурона, виқорли; **~ая оса́нка** мағрур(она) қиёфа; **~ое чу́вство** мағрурлик ҳисси, фахрланиш.

ГОРДЕ́Ц *м, р.* **-а́** кибру-ҳавоси, димоғи баланд одам, кеккайган одам, мутакаббир, калондимоғ, димоғдор.

ГОРДИЕВ: ~ у́зел чигал (душвор) масала, мушкул аҳвол.

ГОРДИ́ТЬСЯ, горжу́сь, горди́шься *несов.* 1 фахрланмоқ, ифтихор қилмоқ; ~ **успе́хами** ютуқлар билан фахрланмоқ; **~сы́ном** ўғли билан фахрланмоқ; 2 *разг.* кибрланмоқ, гердаймоқ, керилмоқ, мағрурланмоқ, кўкрак кермоқ, димоғи шишмоқ (кўтарилмоқ).

ГО́РДО *нареч.* 1 ғурур билан, ифтихор билан, фахрланиб; мағрурона, мағрур, кўкракни кериб; **Челове́к — э́то звучи́т ~!** (М. Горький) Инсон — бу мағрур жаранглайди; инсон номи мағрур жаранглайди; 2 гердайиб, керилиб, димоғдорлик билан.

ГО́РДОСТЬ *ж* 1 ғурур, ифтихор, иззат-нафс, кибр, такаббурлик; **челове́ческая ~** инсоний ғурур; **национа́льная ~** миллий ифтихор; 2 ғурур, мағрурланиш, фахрланиш; **~ побе́дой** ғалаба ғурури, ғалаба билан фахрланиш; 3 *кого-что или чья* фахр, ифтихор; **ты — моя́ ~!** сен менинг фахрим!; **отли́чники учёбы — ~ институ́та** ўқув аълочилари — институтнинг фахри (ифтихори); 4 кибр-ҳавоси баландлик, калондимоғлик, димоғдорлик, такаббурлик.

ГОРД/ЫЙ, -ая, -ое 1 ўз қадр-қимматини биладиган, ғурурли, иззат нафсли; **~ый наро́д** ғурурли (ғурури бор) халқ; 2 мағрур, фахрланувчи, фахрланган; **он ~ своими успе́хами** у ўз муваффақиятлари билан фахрланади, у ўз муваффақиятларига мағрур; 3 ғурурли, ғурур билан тўлиб-тошган, мағрур, мағрурона; **~ый взгляд** ғурурли чеҳра, мағрур қараш; 4 *перен.* олий, юксак; **~ое сло́во «това́рищ»** юксак «ўртоқ» сўзи; **~ые мечты́** юксак орзулар; 5 кибри-ҳавоси, димоғи баланд, кеккайган, гердайган, ўзига бино қўйган, калондимоғ, димоғдор.

ГО́РДЫН/Я *ж уст.* ҳаддан ташқари такаббурлик, кеккайиш, гердайиш, калондимоғлик, димоғдорлик.

ГОРДЯ́ЧКА *ж, р. мн.* **-чек** *см.* **горде́ц.**

ГОР/Е *с* 1 қайғу, ғам, дард-алам, доғ; **заболе́ть с ~я** ғам-қайғудан касал бўлиб (ётиб) қолмоқ; **помо́чь ~ю** ҳамдард бўлмоқ; дардига малҳам бўлмоқ; 2 бахтсизлик, мусибат, кулфат; офат; **случи́лось большо́е ~е** катта бахтсизлик рўй берди; 3 *в знач. сказ. разг.* яхши бўлмади (бўлмайди); ташвиш (бало) бўлди (бўлибди), ҳолига вой; **~е тому́, кто с ним свя́жется** у билан яқинлашган одамнинг ҳолига вой; у билан яқинлашган одам адабини ейди (кўрадиганини кўради); ✦ **с ~ем попола́м** жуда қийналиб, зўрға, аранг, амал-тақал қилиб; **ему́ и ~я ма́ло** у ғам ҳам емайди, парвойи фалагига ҳам келтирмайди.

ГОРЕВА́ТЬ, -рю́ю, -рю́ешь 1 *несов. о ком-чём и без доп.* қайғурмоқ, ғам емоқ, куймоқ, ачинмоқ, ҳасрат чекмоқ; **не горю́й** қайғурма, куяверма; 2 *прост.* қақшамоқ, оғир куи кечирмоқ.

ГОРЕ́ЛКА *ж, р. мн.* **-лок** горелка; **га́зовая ~** газ горелкаси; **~ керосино́вой ла́мпы** лампа горелкаси; **примусна́я ~** примус горелкаси.

ГОРЕ́ЛКИ *мн., р.* **-лок** горелки (қувлашмачоқ, ўйинининг бир тури); **игра́ть в ~** горелки (қувлашмачоқ) ўйнамоқ.

ГОРЕ́Л/ЫЙ, -ая, -ое 1 ёнган, куйган, куюк; **~ые до́ски** куйган тахта; 2 *в знач. сущ.* **~ое** *с* куюнди; **па́хнет ~ым** куюнди ҳиди келаяпти; 3 чирик, чириган; **~ая ко́жа** чирик тери.

ГОРЕЛЬЕ́Ф *м* горельеф (текис сатҳга ишланган бўртма шакл, нақш).

ГОРЕМЫ́КА *м и ж разг.* **боши қийинчиликдан, ғам**кулфатдан чиқмаган одам, шўрпешана, манглайи қора, бечора, шўрлик.

ГОРЕМЫ́ЧН/ЫЙ, -ая, ое; -чен, -чна *разг.* 1 толеи паст, бахтсиз, бечора; **~ая до́ля** оғир қисмат; 2 кулфатли, оғир; **~ая жизнь** оғир ҳаёт.

ГОРЕ́НИЕ *с по гл.* **горе́ть** 1, 2, 6.

ГОРЕ́НКА *ж, р. мн.* **-нок** *уменьш.-ласк. от* **го́рница.**

ГО́РЕСТН/ЫЙ, -ая, -ое; -тен, -тна 1 қайғули, ғам-ҳасратли, аламли; ғамгин; **~ое изве́стие** қайғули хабар; **~ая улы́бка** аламли табассум, ғамгин илжайиш; 2 аянчли, ачинарли, аянч, қизғанч; **~ые собы́тия** ачинарли воқеалар; **дела́ в ~ом состоя́нии** ишлар ачинарли аҳволда.

ГО́РЕСТ/Ь *ж* 1 ачиниш, қайғуриш, куйиниш, куйиш; **отме́тить с ~ью** куйиниб қайд этмоқ; 2 *мн.* **~и** ғам-ғусса, қайғу-ҳасрат, кулфат, бахтсизлик; **пережи́ть мно́го ~ей** кўп ғам-кулфатлар чекмоқ.

ГОР/Е́ТЬ *несов.* 1 (*сов.* **сгоре́ть**) ёнмоқ, куймоқ; **лес ~и́т** ўрмон ёнаяпти, ўрмонга ўт кетди; **дрова́ ~я́т в пе́чке** печкада ўтин ёнаяпти; 2 ёнмоқ, ёниб турмоқ; ёқиқ (ёқилган) бўлмоқ; **все ла́мпочки ~я́т** ҳамма лампочкалар ёниб турибди; **при́мус ~и́т** примус ёнаяпти, примус ёқиқ (ёқилган); **печь ~и́т** печка ёқилган; 3 қаттиқ иситламоқ, ёнмоқ; жизилламоқ; **больно́й весь ~и́т** касал ёниб ётибди; **ра́на ~и́т** яра жазиллашяпти; 4 қизармоқ, ловулламоқ; **щёки от моро́за ~я́т** юз совуқдан қизариб кетди (кетган); **у́ши ~я́т** қулоқлар ловуллаяпти (лавлаги бўлиб кетди); **голова́ ~и́т** бошим қизиб кетяпти; 5 ёнмоқ, чақнамоқ, ярқирамоқ; **заря́ ~и́т** тонг ярқиради, шафақ ёнмоқда; **глаза́ ~я́т от ра́дости** севинчдан кўзлари чақнаб кетди; **Штыки́ ~я́т под со́лнцем ю́га** (Лермонтов) Жануб қуёши нурида милтиқ найзалари ярқирамоқда; 6 *перен. чем* ёнмоқ, ўртанмоқ; куймоқ; **~е́ть не́навистью** ғазаб ўтида ёнмоқ, қаттиқ нафратланмоқ, нафрати (ғазаби) тўлиб тошмоқ; **~е́ть жела́нием** истак ўтида ёнмоқ; қаттиқ истамоқ, **~е́ть любо́вью** ишқ ўтида куймоқ, ўртанмоқ; 7 (*сов.* **сгоре́ть**) *перен. от чего* қизармоқ, ёнмоқ, қизариб кетмоқ; **~е́ть от стыда́** уялганидан қизариб кетмоқ, уятидан қизармоқ; 8 (*сов.* **сгоре́ть**) қаттиқ берилмоқ, жон-дили билан киришмоқ; **~е́ть на рабо́те** ишга астойдил берилиб кетмоқ; 9 (*сов.* **сгоре́ть**) қизимоқ, қизиб буғриқмоқ, чиримоқ, ёнмоқ; **хлеб ~и́т в копна́х** ғарамланган буғдой қизиб чирий бошлабди; 10 *на ком-чём разг.* тезда йиртилиб, титилиб кетмоқ; **о́бувь ~и́т на нём** унга пойабзал чидамайди; 11 (*сов.* **сгоре́ть**) *разг.* бекор бўлиб қолмоқ, куймоқ, куйиб қолмоқ; **путёвка ~и́т** путёвка куйиб қолаяпти; ✦ **душа́ (или се́рдце) ~и́т** *у кого* ачинади, ичи (юраги) ачийди; **не ~и́т** ошиқувга ҳужжат йўқ, шошилинч эмас, шошилмаса ҳам бўлади; **земля́ ~и́т под нога́ми** *у кого* 1) оёги ерга тегмайди (тезлигидан); 2) оёги куйган товуқдек типирчилаб қолди; **рабо́та (или де́ло) ~и́т (в рука́х)** *у кого* қўли-қўлига тегмайди, жуда тез иш қилади; **горя́ всё огнём!** *прост.* менга деса ёниб кетмайдими!; менга бари бир!

ГОРЕ́Ц *м, р.* **-рца** тоғлик, тоғли жойда яшовчи киши.

ГОРЕЧА́ВКА *ж* газак ўт, гажак ўт.

ГО́РЕЧЬ *ж* 1 аччиқ таъм, тахир маза; аччиқ ҳид; **~ полы́ни** эрманнинг тахир мазаси; **у меня́ ~ во рту** оғзим тахир; 2 аччиқ ёки тахир нарса; талх, какра; **проглоти́л каку́ю-то ~** қандайдир тахир нарсани ютиб юбордим; 3 *перен.* алам, доғ; **~ утра́ты** айрилиқ доғи; **в душе́ у неё оста́лась ~** унинг дилида доғ қолди.

ГОРЖЕ́Т *м* горжет (ташлама мўйна ёқа).

ГОРЖЕ́ТКА *ж, р. мн.* **-ток** *то же, что* **горже́т.**

ГОРИЗО́НТ *м* 1 уфқ, горизонт; **и́стинный ~** *астр.* ҳақиқий (чин) горизонт; **со́лнце скры́лось за ~ом** қуёш уфқ орқасига яширинди (ботди); 2 уфқ, осмон этаги, осмон, фалак; **с горы́ откры́лся широ́кий ~** тоғдан кенг уфқ манзараси очилди; **ни о́блачка на ~е** осмонда бир парча ҳам булут йўқ; 3 *перен. какой или чей* савия; билим (қизиқиш, фикр) доираси; **челове́к с широ́ким ~ом** билими (фикр доираси) кенг одам, билимдон одам; 4 *мн.* **~ы** *перен.* фаолият, имконият доираси, имкониятлар, шароитлар; **расширя́ющиеся ~ы нау́ки** илм-фаннинг кенгайиб бораётган имкониятлари; **широ́кие ~ы** кенг имкониятлар; 5 *спец.* сатҳ,

www.ziyouz.com kutubxonasi

савия (**сув сатҳининг паст-баландлиги**); **~ водьі́** сув сатҳи (савияси); **6** *горн.* горизонт, баландлик; **рабо́та в ша́хте ведётся на не́скольких ~ах** шахтада иш бир неча баландликда (бир-бирининг устида жойлашган баландликларда) олиб борилади; ✦ **появи́ться на *чьём* ~е** бирор ерда, доирада пайдо бўлмоқ, кўринмоқ; **исчезнуть с *чьего* ~а** бирор ердан, доирадан ғойиб бўлмоқ; бирор ерда, доирада кўринмай қолмоқ.

ГОРИЗОНТА́Л/Ь *ж* горизонталь (1 горизонтга параллел чизиқ, горизонталь чизиқ, ётиқ чизиқ; **по ~и** ётиғига, горизонталь чизиқ бўйлаб; 2 *геод.* топографик хариталарда: бир хил баландликдаги нуқталарни тасвирловчи чизиқлар).

ГОРИЗОНТА́ЛЬНО *нареч.* горизонталь ҳолда (равишда), горизонталь чизиқ бўйлаб, ётиғига; **положи́ть па́лку ~** таёқни ётқизиб қўймоқ; **лете́ть ~** горизонталь чизиқ бўйлаб учмоқ.

ГОРИЗОНТА́ЛЬН/ЫЙ, **-ая**, **-ое** горизонталь, уфқий, ётиқ; **~ая ли́ния** горизонталь чизиқ.

ГОРИЛЛА *ж* горилла (одамсимон катта маймун).

ГОРИСПОЛКО́М *м* (городско́й исполни́тельный коми́тет) шаҳар ижрокоми, шаҳар ижроия комитети.

ГО́РИСТ/ЫЙ, **-ая**, **-ое** тоғли; ўр-сойли; **~ая ме́стность** тоғли ер; ўр-сойли ер.

ГОРИХВОСТКА *ж, р. мн.* **-ток** қизилдум чумчуқ.

ГОРИЦВЕ́Т *м* гулизардак; мушук ўт; сувур ўт.

ГО́РКА *ж, р. мн.* **го́рок** 1 *уменьш. от* **гора́** 1, 2 тепа, тепалик, баландлик; 2 идиш-оёқ қўйиладиган этажерка ёки жавон; 3 *ж.-д.* горка (темир йўл станцияларида вагонларни ажратиш учун хизмат қиладиган қия йўл); 4 *ав.* горка (олий пилотаж фигураларидан бири).

ГО́РК/НУТЬ, **-нет**; **горк**, **-ла** *несов.* (*сов.* **прогóркнуть**) тахир бўлиб қолмоқ, ачиб, бузилиб қолмоқ; **ма́сло ~ет в тепле́** ёг иссиқда бузилиб тахир бўлиб қолади (қоляпти).

ГОРКО́М *м* (городско́й комите́т) шаҳарком (шаҳар комитети).

ГОРЛА́Н *м прост.* бақириб гапирадиган одам, бақироқ, шанғи, шавақи.

ГОРЛА́НИТЬ *несов. прост.* бақирмоқ, бақириб гапирмоқ, шовқинламоқ, шанғиламоқ; **~ на всю у́лицу** бақириб кўчани бузмоқ; кўчани бошига кўтармоқ; **~ пе́сню** бақириб (овозни баралла қўйиб) қўшиқ айтмоқ.

ГОРЛА́СТЫЙ, **-ая**, **-ое** *прост.* овози баланд (ўткир), бақироқ, шавақи, шанғи; **~ па́рень** бақироқ бола; **~ пету́х** овози ўткир хўроз.

ГО́РЛИНКА *ж, р. мн.* **-нок** *то же, что* **го́рлица** 1.

ГО́РЛИЦА *ж* 1 ғуррак, қумри; 2 *уст. поэт. то же, что* **голу́бка**.

ГО́РЛ/О *с* 1 бўғиз, ҳалқум, ҳиқилдоқ, томоқ; **заку́тать ~о ша́рфом** томоғини шарф билан ўраб олмоқ (қўймоқ); 2 томоқ; **в ~е со́хнет** томоғим қақраб кетяпти; 3 оғиз, бўғиз; **~о кувши́на** кўзачанинг бўғзи; 4 бўғоз (кўрфаздан денгизга чиқиладиган тор жой); ✦ **во всё ~о** (кричать, петь и т. п.) бор овоз билан, овози борича, баралла, бақириб; **по ~о** 1) томоғидан келди (чуқурлик ҳақида); 2) етарли, жуда кўп; бошдан ошиб ётибди; **рабо́ты по ~о** иш жуда кўп, иш бошдан ошиб ётибди; **сыт по ~о** жуда тўйдим, етар, бас; **с ножо́м к ~у приста́ть** икки оёқни бир этикка тиқиб талаб қилмоқ; **схвати́ть за ~о** или **брать (взять) за ~о** ҳиппа бўғмоқ, бўғзидан олмоқ, мажбур қилмоқ.

ГОРЛОВИ́К *м, р.* **-а́** *разг.* томоқ доктори, томоқ касалликлари доктори.

ГОРЛОВИ́НА *ж* бўғиз, оғиз; **~ вулка́на** вулқоннинг оғзи; **~ парово́го котла́** буғ қозонининг оғзи.

ГОРЛОВ/О́Й, **-а́я**, **-о́е** 1 томоққа оид; томоқ...; **~ы́е боле́зни** томоқ касалликлари; **~о́й ка́шель** томоқдан йўталиш, қуруқ йўтал; 2 томоқдан чиқадиган, қаттиқ, ўткир (товуш ҳақида).

ГОРЛОДЁР *м прост.* 1 бақироқ одам, бақироқ, шанғи, шавақи, 2 томоқни ачитадиган, аччиқ, ўткир; **таба́к-~** томоқни ачитадиган тамаки, ўткир тамаки.

ГОРЛОПА́Н *м прост. то же, что* **горла́н**.

ГО́РЛЫШКО *с* 1 *уменьш. от* **го́рло**; 2 оғиз, бўғиз; **~ буты́лки** шишанинг бўғзи.

ГОРМО́Н *м физиол.* **гормо́н (ички секреция** безларидан ажралиб қонга қўшиладиган модда).

ГОРМОНА́ЛЬНЫЙ, **-ая**, **-ое** гормонли, гормонал; **гормо́н...**; **~ препара́т** гормонли препарат.

ГОРМО́ННЫЙ, **-ая**, **-ое** гормонга оид; гормон...

ГОРМЯ *нареч.*: **~ горе́ть** *прост.* қаттиқ куюнмоқ, ёнмоқ.

ГОРН I *м* 1 горн, печь; ўчоқ; **кузне́чный ~** темирчилик печи, ўчоғи; 2 горн (домна печининг пастки қисми); 3 кўра (кулолчиликда).

ГОРН II *м муз.* горн, сигнал; **заигра́л ~ горн** чалинди.

ГОРНИЛ/О *с* 1 *уст. то же, что* **горн** I, 1; 2 *перен. чего* қозон, олов, ўт (киши синовлардан ўтадиган, чиниқадиган, тобланадиган шароит ҳақида); **закали́ться в ~е жи́зни** ҳаётда чиниқмоқ, ҳаёт қозонида қайнамоқ; **выко́вываться в ~е революции** революция ўтида тобланмоқ.

ГОРНИ́СТ *м* горнчи (горн чалиб сигнал берувчи).

ГО́РНИЦА *ж* 1 *уст.* иккинчи қаватдаги (болохонадаги) хона, бўлма; умуман ҳар қандай хона; 2 *обл.* меҳмонхона (деҳқонлар уйида).

ГО́РНИЧНАЯ *ж, р.* **-ой** оқсоч. ходима, уй хизматчиси; **~ в гости́нице** меҳмонхона ходимаси (меҳмонхонада уйларга қаровчи аёл).

ГОРНОВО́Й, **-а́я**, **-о́е** 1 горнга оид; горн...; печь...; **~ инструме́нт** горн (печь) асбоблари; 2 *в знач. сущ.* **~м** горнда (печь олдида) ишловчи ишчи; босқончи.

ГОРНОДОБЫВА́ЮЩ/ИЙ, **-ая**, **-ее** қазилма хом ашёлар тайёрлашга оид; қазилмаларни қазиб оладиган (чиқарадиган); **~ая промы́шленность** қазилма хом ашёларни қазиб олиш саноати, тоғ-кон саноати.

ГОРНОЗАВО́ДСКИЙ, **-ая**, **-ое** тоғ-кон саноатига оид, тоғ-кон саноати...

ГОРНОЗАВО́ДЧИК *м* кон эгаси; кон саноати корхоналарининг эгаси.

ГОРНОЛЫ́ЖНИК *м* тоғ-чанғи спорти билан шуғулланувчи спортсмен.

ГОРНОЛЫ́ЖНИЦА *ж см.* **горнолы́жник**.

ГОРНОЛЫ́ЖН/ЫЙ, **-ая**, **-ое** тоғ-чанғи спортига оид; **~ый спорт** тоғ-чанғи спорти; **~ая ста́нция** тоғ-чанғи спорти станцияси

ГОРНОПРОМЫ́ШЛЕННИК *м* тоғ-кон саноати хўжайини.

ГОРНОПРОМЫ́ШЛЕННОСТЬ *ж* тоғ-кон саноати, кончилик.

ГОРНОПРОМЫ́ШЛЕННЫЙ, **-ая**, **-ое** тоғ-кон саноатига оид; тоғ-кон саноати...; **~ райо́н** тоғ-кон саноати райони.

ГОРНОПРОХО́ДЧЕСКИ/Й, **-ая**, **-ое** *спец.* тоғ-кон ковлашга оид; тоғ-кон ковлайдиган; тоғ-кон ковлаш...; **~е рабо́ты** тоғковлаш ишлари; **~й комба́йн** тоғ-кон ковлайдиган комбайн.

ГОРНОРАБО́ЧИЙ *м, р.* **-его** тоғ саноати ишчиси, кончи.

ГОРНОРУ́ДН/ЫЙ, **-ая**, **-ое** кон-руда саноатига оид; кон-руда саноати...; **~ая промы́шленность** кон-руда саноати.

ГОРНОСПАСА́ТЕЛЬ *м* тоғларда (ёки кон-руда саноатида) қутқарувчи отряд ишчиси.

ГОРНОСПАСА́ТЕЛЬНЫЙ, **-ая**, **-ое** тоғлардаги (ёки конлардаги) қутқариш ишларига оид, шу ишлар билан шуғулланадиган; **~ отря́д** қутқариш отряди (тоғларда ёки тоғ-кон саноатида).

ГОРНОСТА́Ев/ЫЙ, **-ая**, **-ое** оқсичқонга оид; оқсичқон терисидан, мўйнасидан қилинган; **~ый мех** оқсичқон териси, мўйнаси; **~ая ма́нтия** оқсичқон мўйнасидан тикилган мантия (уст кийим).

ГОРНОСТА́Й *м* оқсичқон (оқсувсар) ва унинг териси, мўйнаси.

ГОРНОТЕХНИ́ЧЕСК/ИЙ, **-ая**, **-ое** тоғ-техник; тоғ-техника...; **~ое учи́лище** тоғ-техника билим юрти.

ГО́РН/ЫЙ, **-ая**, **-ое** 1 тоққа оид; тоғда бўладиган, тоғдаги; тоғ...; **~ые верши́ны** тоғ чўққилари; **~ый во́здух** тоғ ҳавоси; **~ое о́зеро** тоғдаги кўл; **~ый козёл** тоғ такаси; 2 тоғли; **~ая страна́** тоғли мамлакат; 3 тоғ (ер) қаъридан олинадиган; тоғ...; **~ые поро́ды** тоғ жинслари; 4 **ко́н қазиш** ишига оид; тоғ-кон...; **~ая промы́шленность** тоғ-кон

www.ziyouz.com kutubxonasi

саноати; **~ый инжене́р** тоғ инженери; **5 тоғда ишлатиладиган**; тоғ...; **~ые лы́жи** тоғ чанғиси; **~ая артилле́рия** тоғ артиллерияси; ✦ **~ый хруста́ль** тоғ биллури; **~ый лён** асбест, тошпахта; **~ый воск** тоғ муми; озокерит; **~ая боле́знь** тоғ касаллиги (тоғда бош айланиш, кўнгил айниш).

ГОРНЯ́К *м, р.* **-а́** 1 кончи, тоғ-кон саноати ишчиси; 2 тоғ-кон инженери, мутахассиси ва шунга тайёрланувчи студент.

ГОРНЯЦКИЙ, -ая, -ое кончиларга, тоғ-кон ишчиларига оид; **~ посёлок** кончилар қишлоғи (посёлкаси).

ГО́РОД *м, мн.* **-а́** 1 шаҳар; **порто́вый ~** порт шаҳри; **столи́чный ~** пойтахт; **областно́й ~** область шаҳри; 2 *разг.* шаҳар халқи, аҳолиси, бутун шаҳар; **весь ~об э́том зна́ет** буни бутун шаҳар билади; 3 *ист.* қалъа, қала; 4 *спорт.* давра, тўгарак; томон (турли спорт ва болалар ўйинларида).

ГОРОДИ́ТЬ, -ожу́, -о́дишь и **-оди́шь** *несов. что* 1 *обл.* тўсмоқ, девор олмоқ, девор олиб ўрамоқ, иҳота қилмоқ; 2 *прост.* беҳуда гап гапирмоқ, бекорчи (бўлмағур) гапларни сўзламоқ, сафсата сотмоқ; **что ты горо́дишь?** нима деяпсан?; ўйлаб гапиряпсанми?; **~ чепуху́ (вздор, чушь)** бемаъни (бўлмағур) гап гапирмоқ; ✦ **огоро́д ~** беҳуда ишга уринмоқ, фойдасиз (бекорга) овора бўлмоқ.

ГОРОДИ́Щ/Е *с* 1 *археол.* қадимги шаҳар ўрни, кўҳна шаҳар; **раско́пки ~а** қадимги шаҳар ўрнини қазиш; 2 катта шаҳар, шаҳри азим.

ГОРОДКИ́ *мн. (ед.* **городо́к** *м) спорт.* городки (тизилган чиллакларни уриб чиқариш ўйини); **игра́ть в ~** городки ўйнамоқ.

ГОРО́ДНИЧИЙ *м, р.* **-его** городничий (чор Россиясида: шаҳар бошлиғи, ҳокими).

ГОРОДОВ/О́Й, -а́я, -о́е *уст.* 1 шаҳарга оид; шаҳар...; **~а́я поли́ция** шаҳар полицияси; 2 *в знач. сущ.* **~о́й** *м* миршаб, городовой.

ГОРОДО́К *м, р.* **-дка́** 1 *уменьш. от* **го́род** 1 кичкина шаҳар, шаҳарча; 2 шаҳарча; **рабо́чий ~** ишчилар шаҳарчаси; **университе́тский ~** университет шаҳарчаси.

ГОРОДО́ШНИК *м* городкичи (городки ўйновчи спортсмен).

ГОРОДСК/О́Й, -а́я, -о́е 1 шаҳарга оид; шаҳар...; **~о́й парк** шаҳар парки; **~о́й сове́т наро́дных депута́тов** халқ депутатлари шаҳар совети; 2 *в знач. сущ.* **~о́й** *м прост.* шаҳарлик киши, шаҳарлик; **~а́я** *ж прост.* шаҳарлик аёл.

ГОРОДЬБА́ *ж обл.* 1 *по гл.* **городи́ть** 1; 2 ғов, тўсиқ.

ГОРОЖА́НИН *м, мн.* **-а́не** шаҳарлик киши, шаҳар кишиси, шаҳарлик.

ГОРОЖА́НКА *ж, р. мн.* **-нок** шаҳарлик аёл.

ГОРООБРАЗОВА́НИЕ *с геол.* тоғ пайдо бўлиши, тоғларнинг келиб чиқиши.

ГОРООБРАЗОВА́ТЕЛЬНЫ/Й, -ая, -ое тоғларнинг пайдо бўлишига, келиб чиқишига оид; тоғ пайдо бўлиш...; **~е проце́ссы** тоғларнинг пайдо бўлиш процесслари.

ГОРОСКО́П *м* гороскоп (мунажжимлар фол очиш учун тузган юлдузлар жадвали).

ГОРО́Х *м* 1 нўхат (ўсимлик); **~ полево́й** дала нўхати; **~ посевно́й** экиладиган (маданий) нўхат; 2 *собир.* нўхат (дони); ✦ **как об сте́нку ~** *разг.* деворга гапиргандай, ҳеч гап таъсир (кор) қилмайди, сира гапга тушунмайди; **при царе́ Горо́хе** жуда қадим вақтларда, Дақъёнус замонида.

ГОРО́ХОВ/ЫЙ, -ая, -ое 1 нўхатли; нўхат...; **~ое по́ле** нўхат экилган дала; **~ый суп** нўхат шўрва, мохора; 2 нўхат ранг; ✦ **чу́чело ~ое** или **шут ~ый** таъвия, тасқара.

ГОРО́ШЕК *м, р.* **-шка, -шку** 1 *уменьш. от* **горо́х**; 2 дуккаклилар оиласига мансуб айрим ўтсимон ўсимликлар номи; 3 майда хол-хол гул (газмолда); **ткань в ~** хол-хол гулли газмол; **души́стый ~** нўхатгул, янчилмаган мурч; ✦ **зелёный ~** нўхат (кўклигида териб олинган нўхат).

ГОРОШИН/А *ж* 1 нўхат донаси, бир дона нўхат; **слёзы, как ~ы** нўхатдай ёш (кўз ёши); 2 *то же, что* **горо́шек** 3.

ГОРО́ШИНКА *ж, р. мн.* **-нок** *уменьш. от* **горо́шина.**

ГО́РСКИ/Й, -ая, -ое *прил. от* **го́рец** тоғликларга (тоғли жой кишиларига оид; тоғлик(лар)...; **~е племена́** тоғли жойларда яшовчи қабилалар; тоғлик қабилалар.

ГОРСОВЕ́Т *м* (городско́й сове́т) шаҳар совети.

ГО́РСТКА *ж, р. мн.* **-ток** *уменьш. от* **горсть; ~ муки́** бир сиқим ун; **~ храбрецо́в** бир нечтагина мард одамлар.

ГО́РСТОЧКА *ж, р. мн.* **-чек** *то же, что* **го́рстка.**

ГОРСТЬ *ж, р. мн.* **-е́й** 1 ҳовуч, сиқим; **зачерпну́ть ~ю** ҳовучлаб (ёки сиқимлаб) олмоқ; 2 *чего* озгина, бир оз, зиғирдай, зиғирча; бир сиқим; **~ зерна́** бир сиқим дон; 3 *перен. чего* бир ҳовуч, бир нечтагина; **~ люде́й** бир нечтагина одам; бир ҳовуч одамлар.

ГОРТА́НН/ЫЙ, -ая, -ое 1 ҳиқилдоққа, бўғизга оид; ҳиқилдоқ...; бўғиз...; **~ые мы́шцы** бўғиз мушаклари; **~ая речь** бўғиз нутқи, томоқ қириб гапириш; 2 *лингв.* бўғизда ҳосил бўладиган; бўғиз...; **~ые согла́сные** бўғиз ундошлари.

ГОРТА́НЬ *ж* ҳиқилдоқ, бўғиз.

ГОРТЕ́НЗИЯ *ж* гортензия (йирик гулли декоратив ўсимлик).

ГОРЧА́К *м бот.* какра, талхак, аччиқмия.

ГО́РЧЕ *см.* **го́рький.**

ГОРЧИ́НК/А *ж:* **с ~ой** *разг.* тахир (тахирроқ) маза; тахир; **пи́во с ~ой** тахирроқ (тахир маза) пиво.

ГОРЧИ́Т/Ь, -и́т *несов.* мазаси аччиқ (ёки тахир) бўлмоқ, аччиқ таъм бермоқ; **ма́сло ~** мой аччиқ экан; мойнинг бир оз аччиқ мазаси бор; **мука́ ~** ун тахир экан; уннинг бир оз тахир мазаси бор; **во рту ~** *безл.* оғзим бир оз тахир; оғзим тахир бўлиб кетяпти.

ГОРЧИ́ЦА *ж* 1 хантал (ўсимлик); 2 горчица (шу ўсимлик уруғи ва ундан тайёрланган зиравор).

ГОРЧИ́ЧНИК *м* горчичник (горчица қатлами билан қопланган компресс қоғоз ёки мато).

ГОРЧИ́ЧНИЦА *ж* горчицадон, горчица идиш.

ГОРЧИ́ЧН/ЫЙ, -ая, -ое *прил. от* **горчи́ца** 1 ханталга, горчицага оид; горчицали; хантал...; горчица...; **~ое се́мя** хантал уруғи; **~ый компре́сс** горчичник компресси; 2 хантал уруғидан олинган; хантал...; **~ое ма́сло** хантал ёғи; ✦ **~ый газ** *то же, что* **ипри́т.**

ГО́РШЕ *см.* **го́рький.**

ГОРШЕ́ЧНИК *м* кулол.

ГОРШЕ́ЧН/ЫЙ, -ая, -ое 1 кулолчиликка оид; кулолчилик...; **~ое произво́дство** кулолчилик саноати; **~ый ма́стер** кулол; 2 тувакда ўстириладиган; тувак...; **~ая расса́да** тувакда ўстириладиган (ўстирилган) кўчат.

ГО́РШИЙ, -ая, -ее *уст. см.* **го́рький.**

ГОРШ/О́К *м, р.* **-шка́** 1 хумча, хурмача, тувак; **гли́няный ~о́к** хумча, мўнди; **цвето́чный ~о́к** гул тувак; 2 тувак; **ночно́й ~о́к** тувак; ✦ **от ~ка́ два вершка́** *шутл.* ҳали жуда кичкина, жажжи, митти.

ГОРШО́ЧЕК *м, р.* **-чка** *уменьш. от* **горшо́к** кичкина тувак, тувакча.

ГО́РЬК/ИЙ, -ая, -ое; -рек, -рька́ 1 *сравн.* **го́рче** аччиқ; тахир, какра; **го́рче хини́на** хининдан ҳам аччиқ (тахир); **~ое лека́рство** тахир дори; **~ий вкус** тахир таъм; **~ий минда́ль** аччиқ мағиз; 2 *сравн.* **го́рше** и **го́рший** аччиқ, аламли, қайғули, мусибатли, ҳасратли, оғир, аянч; **~ая до́ля** оғир қисмат; **~ие слёзы** аламли кўз ёши; зор-зор йиғлаш, қон йиғлаш; **~ий о́пыт** аччиқ тажриба; 3 *разг.* шўрпешана, бахти қора, бечора, бахтсиз, шўрли; 4 *в знач. сущ.* **~ая** *ж* арақ; ✦ **~ий пья́ница** муккасидан кетган арақхўр, ичкиликбоз, пиёниста; **~ая соль** ич сурадиган туз (инглиз тузи); **~ие во́ды** нордон сув (минерал сув тури).

ГО́РЬКО *нареч.* 1 аччиқ-алам билан, ғам-ҳасрат билан, ҳасрат чекиб, қайғуриб; **~ пла́кать** аччиқ-алам билан йиғламоқ, зор-зор (қон) йиғламоқ; 2 *безл. в знач. сказ.* аччиқ, тахир; **во рту ~** оғзим тахир; 3 *безл. в знач. сказ.* оғир, ич (юрак) ачийди; юрак ўртанади; **~ ду́мать о поте́рянном вре́мени** бекор ўтган (йўқотилган) вақт ҳақида ўйлаш жуда оғир; ✦ **го́рько!** тўйда келин билан куёвни ўпишишга даъват сўзи.

ГОРЬКОВА́ТЫЙ, -ая, -ое аччиқроқ, тахирроқ.

ГО́РЬКО-СОЛЁН/ЫЙ, -ая, -ое нордон-шўр; **~ое о́зеро** нордон-шўр кўл.

ГОРЮ́Н *м, р.* **-а́** *прост.* ташвишдан боши чиқмайдиган одам; куйинчак, куйди-пишди.

ГОРЮЧ/ИЙ I, -ая, -ее 1 ёнадиган, ёнувчи, ёнувчан; **~ий газ** ёнувчи газ; **~ая жи́дкость** ёнадиган (ёнувчи) суюқлиқ; 2 *в знач. сущ.* **~ее** *с тех.* ёнилғи.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ГОРЮЧИ/Й II, -ая, -ее: ~**е слёзы** *нар.-поэт.* аламли кўз ёши, қон йиғлаш.

ГОРЯ́НКА *ж, р. мн.* **-нок** *см.* **го́рец.**

ГОРЯЧЕЧНЫЙ, -ая, -ое *уст. разг.* иситмали, иситма аралаш; ~ **бред** иситма билан алаҳлаш.

ГОРЯЧ/ИЙ, -ая, -ее 1 иссиқ, қайноқ; қизиб турган; ~**ая пи́ща** иссиқ овқат; ~**ий чай** қайноқ чой; ~**ее со́лнце** иссиқ офтоб; 2 *перен.* қизғин, оташин, астойдил; эҳтиросли, ашадди; ~**ий приве́т** қизғин салом; ~**ая любо́вь** оташин муҳаббат; ~**ее се́рдце** қайноқ қалб; 3 *перен.* тез; жаҳли тез, қизиққон, жиззаки; юрагида ўти (ўғити) бор, ўт, олов; **у него́** ~**ий хара́ктер** унинг феъли тез; ~**ий челове́к** қизиққон одам, ўктам одам; 4 ўйноқи, гижинг (от ҳақида); ~**ий конь** ўйноқи от, гижинг от; 5 *перен.* қизғин; шошилинч; авж олган, долзарб; ~**ие дни** долзарб кунлар; ~**ая пора́** (или ~**ее вре́мя**) ишнинг авжи қизиган даври; 6 *тех.* қиздириб қилинадиган, қиздирилган ҳолдаги; ~**ая штампо́вка** қиздириб штамплаш; 7 *в знач. сущ.* ~**ее** *с* иссиқ овқат; **заказа́ть** ~**ее** иссиқ овқат буюрмоқ; ✦ ~**ая кровь** қизиққон; қизиққонлик; ~**ие напи́тки** *уст.* и *прост.* спиртли ичимликлар; **по** ~**им следа́м** иссиғида, из босилмасдан, дарҳол; **под** ~**ую ру́ку** (попа́сть, подверну́ться и т. п.) қизиғида, қизишиб турган пайтда. жаҳл устида; **всы́пать** ~**их** *прост.* қаттиқ урмоқ, адабини бермоқ.

ГОРЯЧИТЕ́ЛЬНЫ/Й, -ая, -ое ҳароратни оширадиган, қиздирадиган; ~**е напи́тки** спиртли ичимликлар.

ГОРЯЧИ́Т/Ь *несов. кого-что* 1 иситмоқ, қиздирмоқ; **пухо́вая поду́шка** ~ пар ёстиқ одамни қиздириб юборади; 2 *(сов.* **разгорячи́ть***)* қизиштирмоқ, аччиғини (жаҳлини) чиқармоқ, тезламоқ; қонини қайнатмоқ; ~**ь коня́** отни қичамоқ, тезламоқ.

ГОРЯЧИ́/ТЬСЯ *несов.* қизишмоқ, аччиғи, жаҳли чиқмоқ; қони қайнамоқ; **ты напра́сно** ~**шься** бекорга қизишаяпсан, бекорга жаҳлинг чиқаяпти; **не** ~**сь** ўзингни бос, қизишма, ҳовлиқма, оғир бўл.

ГОРЯЧК/А *ж* 1 *уст.* и *прост.* иситма; безгак; **роди́льная** ~**а** хотинларда бола туғишда ва ундан кейин бўладиган оғир иситма-безгак аралаш ҳолат; 2 *перен. разг.* қизишиш, шошилиш, ҳовлиқиш, безовталик, жонсараклик, югур-югур; **экзаменацио́нная** ~**а** имтиҳон жонсараклиги, имтиҳон вақтидаги безовталик; ~**а пе́ред отъе́здом** йўлга чиқиш олдидаги югур-югур; **биржева́я** ~**а** биржадаги жонсараклик; ✦ **поро́ть** ~**у** бекорга ҳовлиқмоқ, шошқалоқлик (шошма-шошарлик) қилмоқ; **бе́лая** ~**а** алкоголизм оқибатидаги оғир руҳий касаллик.

ГОРЯЧНО́СТ/Ь *ж* қизғинлик, қизиққонлик, тезлик; ошиқиш; ҳовлиқиш; эҳтирос; **с** ~**ью приня́ться за де́ло** эҳтирос (жон-жаҳд) билан ишга тушмоқ; **изли́шняя** ~**ь** ортиқча қизиққонлик, тезлик; шошқалоқлик.

ГОРЯЧО́ *нареч.* 1 эҳтирос билан, жон-жаҳд билан; қизғин, оташин, астойдил; ~ **спо́рить** қизғин баҳслашмоқ; ~ **люби́ть** чин юракдан севмоқ, яхши кўрмоқ; 2 иссиқ ҳолда, иссиқ; 3 *безл. в знач. сказ.* иссиқ; **мне** ~ мен учун иссиқ; иситиб кетяпман.

ГОРЯЩИ/Й, -ая, -ее 1 *прич.* **от горе́ть;** 2 *в знач. прил. разг.* ошиғич, кечиктириб бўлмайдиган, долзарб; ~**е дела́** ошиғич (долзарб) ишлар.

ГОСБА́НК *м* (госуда́рственный банк) давлат банки.

ГОСБЮДЖЕ́Т *м* (госуда́рственный бюдже́т) давлат бюджети.

ГОСПИТАЛИЗА́ЦИЯ *ж* беморни госпиталга (касалхонага) жойлаш, ётқизиб даволаш.

ГОСПИТАЛИЗИ́РОВАТЬ *сов.* и *несов. кого-что* госпиталга (касалхонага) ётқизмоқ, ётқизиб даволамоқ.

ГОСПИТА́ЛЬ *м* госпиталь; **полево́й** ~ дала госпитали.

ГОСПИТА́ЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое госпиталга оид; госпиталь...; ~**ое обору́дование** госпиталь асбоб-ускуналари; ~**ый врач** госпиталь врачи; ~**ое лече́ние** госпиталда даволаш, даволаниш.

ГОСПО́ДИН *м, мн.* **господа́,** *р.* **-по́д,** *дат.* **-да́м** 1 синфий жамиятда: ҳукмрон, хўжа, хўжайин, тўра; **о́бщество без госпо́д и рабо́в** қуллар ҳам, хўжайинлар ҳам йўқ жамият; 2 *чего* или *кому-чему* ўз ҳоҳишича эгалик (хўжайинлик) қилувчи, фойдаланувчи, хўжайин; **сам себе́** ~ ўзига ўзи хўжайин; ~ **положе́ния** айтгани айтган, дегани деган; ҳамма нарсанинг изми қўлида; 3 жаноб, афанди, тақсир, тўра (революциядан илгариги Россияда ва ажнабийларга нисбатан мурожаат формаси); ~ **посо́л** жаноб элчи, элчи жаноблари; 4 *уст.* кўринишидан юқори табақаларга мансуб одам, жаноб; ✦ **быть** ~**ом своего́ сло́ва** ўз сўзининг эгаси бўлмоқ, сўзининг устидан чиқмоқ.

ГОСПО́ДСКИ/Й, -ая, -ое хўжайинларга, тўраларга (дворянларга, помешчикларга ва ҳ. к.) оид, хос ёки қарашли бўлган; хўжайин(лар)...; ~**й дом** дворян уйи; ~**е зе́мли** дворянларга қарашли ерлар; хўжайинларнинг ерлари.

ГОСПО́ДСТВО *с* ҳокимлик, ҳукмронлик, устунлик; салтанат; **полити́ческое** ~ сиёсий ҳукмронлик; ~ **в во́здухе** ҳавода устунлик.

ГОСПО́ДСТВ/ОВАТЬ *несов.* 1 ҳокимлик (ҳукмронлик) қилмоқ, ҳоким (ҳукмрон) бўлмоқ; ҳукм сурмоқ; **в антагонисти́ческом кла́ссовом о́бществе одни́ кла́ссы** ~**уют над други́ми** антагонистик синфий жамиятда маълум синфлар бошқалари устидан ҳукмронлик қилади; 2 устун (ҳукмрон) бўлмоқ; устунлик қилмоқ; ~**овать на мо́ре** денгизда ҳукмрон бўлмоқ; 3 нисбатан кенгроқ тарқалмоқ, қўлланмоқ, устун турмоқ; ғолиб келмоқ; **здесь** ~**уют за́падные ве́тры** бу ерда кўпроқ (кўпинча) ғарб шамоли эсади; 4 *над чем* баланд бўлмоқ, баланд турмоқ (тоғ ва умуман баландлик тўғрисида); **гора́** ~**вует над ме́стностью** тоғ теварак-атрофдан баланд кўтарилиб туради.

ГОСПО́ДСТВУЮЩ/ИЙ, -ая, -ее 1 *прич. от* **госпо́дствовать;** 2 *в знач. прил.* ҳоким, ҳукмрон, ҳокимлик (ҳукмронлик, устунлик) қилувчи; ~**ий класс** ҳоким синф; 3 *в знач. прил.* устунлик қилувчи, ғолиб келувчи; устун, ғолиб, ҳукмрон; ~**ее мне́ние** устун келган фикр, ғолиб фикр; ҳукмрон фикр; 4 *в знач. прил.* теварак-атрофдан баланд турган, баланд, ҳукмрон; ~**ая высота́** ҳукмрон тепа.

ГОСПО́ДЬ *м, р.* **го́спода** оллоҳ, худо, парвардигор; ✦ **не приведи́** ~ худо кўрсатмасин; **прости́** ~ (или **го́споди**) *в знач. вводн. сл. уст.* ўз паноҳингда сақла; **поми́луй го́споди** ўзинг кечир; **го́споди!** 1) *разг.* во, ажаб!, ажабо!; 2) *рел.* э худо; ё раббий!

ГОСПО́ЖА *ж* хоним, бека, ойим.

ГОСТЕВ/О́Й, -а́я, -о́е меҳмон(лар)га оид; меҳмон(лар) учун белгиланган; аталган; меҳмон(лар)...; ~**о́й биле́т** таклифнома; ~**ы́е места́ на трибу́не** трибунада меҳмонларга аталган жойлар.

ГОСТЕПРИИ́МНО *нареч.* меҳмондўстона, меҳмондўстлик билан, очиқ чеҳра билан; ~ **встре́тить** меҳмондўстона қарши олмоқ, очиқ чеҳра билан кутиб олмоқ.

ГОСТЕПРИИ́МНЫЙ, -ая, -ое; -мен, -мна меҳмондўст, меҳмоннавоз; ~ **хозя́ин** меҳмондўст хонадон (хўжайин).

ГОСТЕПРИИ́МСТВО *с* меҳмондўстлик, меҳмоннавозлик; **раду́шное** ~ очиқ чеҳра билан кутиб олиш, самимий меҳмондўстлик.

ГОСТИ́НАЯ *ж, р.* **-ой** 1 меҳмонхона; 2 меҳмонхона учун махсус мебеллар комплекти.

ГОСТИ́НЕЦ *м, р.* **-нца** *разг.* совға (кўпинча мева-чева, ширинлик).

ГОСТИ́НИЦ/А *ж* гостиница, меҳмонхона; мусофирхона *(эск.);* **останови́ться в** ~**е** меҳмонхонага қўнмоқ, гостиницада турмоқ.

ГОСТИ́НИЧНЫЙ, -ая, -ое гостиницага оид; гостиница...; ~ **рестора́н** гостиница ресторани.

ГОСТИ́НЫЙ: ~ **двор** раста, бозор.

ГОСТИ́ТЬ, гощу́, гости́шь *несов. (многокр.* **га́щивать***)* меҳмон бўлмоқ, меҳмон бўлиб турмоқ; меҳмондорчиликда бўлмоқ.

ГОСТ/Ь *м, р. мн.* **-е́й** 1 меҳмон, қўноқ; **нагря́нули** ~**и** меҳмонлар келиб қолди; **идти́ в** ~**и** меҳмондорчиликка бормоқ; **быть в** ~**я́х** меҳмон бўлмоқ, меҳмондорчиликда бўлмоқ; 2 меҳмон (четдан таклиф этилган кимса); **делега́ты и** ~**и** делегатлар ва меҳмонлар; **места́ для** ~**е́й** меҳмонлар учун ажратилган жойлар; 3 *уст.* меҳмон (четдан келган савдогар).

ГОСТЬЯ *ж, р. мн.* **-тий** меҳмон аёл.

ГОСУДА́РСТВЕННОСТЬ *ж* давлатчилик, давлат тузуми; **мно́гие наро́ды на́шей страны́ обрели́ свою́ национа́льную** ~ **то́лько при Сове́тской вла́сти** мамлакатимиздаги кўп

www.ziyouz.com kutubxonasi

халқлар фақат Совет ҳокимияти давридагина ўз миллий давлатчилигига (давлат тузумига) эга бўлдилар.

ГОСУДАРСТВЕННЫЙ, **-ая**, **-ое** 1 давлатга оид, қарашли; давлат...; **~ый строй** давлат тузуми; **~ая власть** давлат ҳокимияти; **~ый де́ятель** давлат арбоби; **~ый флаг** давлат байроғи; **~ый фонд** давлат фонди; **де́ло ~ой ва́жности** муҳим давлат аҳамиятига эга бўлган иш; 2 катта (зўр) ташкилотчилик қобилиятига эга бўлган; **~ый челове́к** давлат кишиси; ✦ **~ое пра́во** *юр.* давлат ҳуқуқи.

ГОСУДАРСТВО *с* давлат, мамлакат; **Сове́тское ~о** Совет давлати; **грани́цы ~а** давлат чегаралари.

ГОСУДА́РЫНЯ *ж* 1 подшоҳ хотин, малика; 2 муҳтарама хоним, хоним афандим.

ГОСУДАРЬ *м* подшоҳ, шоҳ; ✦ **ми́лостивый ~** (или **~ мой**) *уст.* тақсир, муҳтарам афандим, жаноб.

ГОТ *м* гот; *см.* **го́ты**.

ГОТИКА *ж* готика, готик услуб (архитектурада).

ГОТИ́ЧЕСК/ИЙ, **-ая**, **-ое** готик, готика услубидаги; **~ий стиль** готика услуби; **~ая архитекту́ра** готика услубидаги архитектура; **~ая а́рка** готика услубидаги арк, равоқ; ✦ **~ий шрифт** *полигр.* готик шрифт (Германияда ва баъзи бошқа мамлакатларда қўлланиладиган учли шрифт).

ГОТОВА́ЛЬНЯ *ж*, *р. мн.* **-лен** готовальня.

ГОТО́ВИТЬ, **-влю**, **-вишь** *несов.* 1 *кого-что* тайёрламоқ, ҳозирламоқ; тайёр (шай) қилмоқ; **~ маши́ну к пу́ску** машинани ишга тушириш учун ҳозирламоқ; **~ те́хнику к убо́рке** техникани йиғим-теримга шай қилмоқ; **~ ученико́в к экза́мену** ўқувчиларни имтиҳонга тайёрламоқ; 2 *что* тайёрламоқ, етиштирмоқ; **~ ка́дры** кадрлар тайёрламоқ; 3 *что* тайёрламоқ, ҳозирламоқ, тайёргарлик (ҳозирлик) кўрмоқ; **~ уро́ки** дарс тайёрламоқ; 4 *что* тайёрламоқ, ҳозирламоқ, йиғмоқ, ғамламоқ; **~ материа́лы к докла́ду** докладга материал ҳозирламоқ; **~ дрова́ к зиме́** қишга ўтин тайёрламоқ; 5 *что* тайёрланмоқ, шайланмоқ, отланмоқ; **~ уда́р по врагу́** душманга ҳужум қилиш учун шайланмоқ; 6 (*сов.* **сгото́вить** *разг.*) *что* и *без доп.* тайёрламоқ, пиширмоқ, қилмоқ; **~ обе́д** обед тайёрламоқ; **в на́шей столо́вой гото́вят вку́сно** бизнинг ошхонамизда мазали овқат пиширишади (қилишади).

ГОТО́ВИТЬСЯ, **-влюсь**, **-вишься** *несов.* 1 *к чему* и *с неопр.* тайёрланмоқ, ҳозирланмоқ, отланмоқ, шайланмоқ, тайёргарлик кўрмоқ; **~ к отъе́зду** йўлга чиқишга тайёрланмоқ, сафарга отланмоқ; **~ к ле́кции** лекцияга тайёрланмоқ; 2 етилмоқ, содир бўлай (рўй берай) деб турмоқ; яқинлашмоқ; **гото́вятся ва́жные собы́тия** муҳим воқеалар кутилади, муҳим воқеалар рўй бериши эҳтимоли бор; **гото́вится гроза́** момақалдироқ бўлай деб турибди; 3 *страд. от* **гото́вить**.

ГОТО́ВНОСТ/Ь *ж* 1 тайёрлик розилик, тайёр (рози) эканлик; **вы́разить ~ь е́хать** жўнашга тайёр эканликни изҳор этмоқ, боришга розилик билдирмоқ; 2 тайёр (шай) ҳолат, тайёрлик, шайлик; **~ь те́хники к убо́рочной страде́** техниканинг йиғим-теримга шайлиги; **в боево́й ~и** жанговар (шай) ҳолатда; **~ь но́мер оди́н** тўла-тўкис жанговар тайёрлик, шайлик; **быть в по́лной ~и** батамом (ҳамма жиҳатдан) шай бўлмоқ; тайёр (шай) бўлиб турмоқ.

ГОТОВО 1 *нареч.* тайёр бўлиб, тайёр, шай; 2 *безл. в знач. сказ. прост.* тайёр бўлди, шайланиб турибди, тайёр, тахт, шай; **всё ~** ҳамма нарса тайёр (тахт).

ГОТО́В/ЫЙ, **-ая**, **-ое** 1 *к чему* и *с неопр.* тайёрланган, тайёргарлик (ҳозирлик) кўрган, тайёр, ҳозир, шай; **мы ~ы к экза́менам** биз имтиҳонларга тайёрмиз; **отря́д ~ к выступле́нию** отряд йўлга тайёр (турибди); 2 *на что* и *с неопр.* тайёр рози; **~ый помо́чь** ёрдамга тайёр; 3 тайёр қилиб қўйилган, тайёр, муҳайё, тахт; **~ый обе́д** тайёр (тушки) овқат; **~ые изде́лия** тайёр буюмлар; **~ое пла́тье** тайёр (тикилган) кўйлак; **~ые пла́ны** тайёр планлар; ✦ **на всём ~ом** (жить) ҳамма нарса муҳайё шароитда (яшамоқ).

ГОТСКИЙ, **-ая**, **-ое** готларга оид; гот(лар)...; **~ язы́к** гот тили.

ГОТТЕНТО́Т *м* готтентот; *см.* **готтенто́ты**.

ГОТТЕНТО́ТКА *ж*, *р. мн.* **-ток** готтентотка, готтентот аёл; *см.* **готтентоты**.

ГОТТЕНТО́ТЫ *мн.* (*ед.* **готтенто́т** *м*, **готтенто́тка** *ж*) готтентотлар (Африканинг жанубий-ғарбида яшовчи халқ).

ГО́ТЫ *мн.* (*ед.* **гот** *м*) готлар (қадимги герман қабилаларидан бири).

ГОФРИРОВА́ЛЬН/ЫЙ, **-ая**, **-ое** гофрировка қиладиган; гофрировка...; **~ая маши́на** гофрировка машинаси.

ГОФРИРОВА́НН/ЫЙ, **-ая**, **-ее** 1 *прич. от* **гофрирова́ть**; 2 *в знач. прил.* гофрировка қилинган, нова-нова; қат-қат бурма; **~ое желе́зо** гофрировка қилинган тунука; **~ая бума́га** гофрировка қилинган қоғоз, нова-нова қоғоз.

ГОФРИРОВА́ТЬ, **-ру́ю**, **-ру́ешь** *сов.* и *несов. что* гофрировкаламоқ, гофрировка қилмоқ, нова-нова қилмоқ; қат-қат бурмаламоқ.

ГОФРИРО́ВКА *ж* 1 *по гл.* **гофрирова́ть**; **~ ткани́** газламани гофрировкалаш; 2 гофрировка, нова (қат-қат) бурма.

ГРАБ *м* граб (қайинлар оиласига мансуб дарахт ёки бута).

ГРА́БАРЬ *м обл.* ер қазувчи.

ГРАБЕ́Ж *м*, *р.* **-ежа́** 1 босқинчилик, ўғрилик, талаш; **вооружённый ~** қуролли босқинчилик; 2 *разг.* талон, талон-торож; талончилик, шилиш, юлиш, товлаш.

ГРАБИ́ТЕЛ/Ь *м* 1 босқинчи, босмачи, ўғри; **ша́йка ~ей** босқинчилар шайкаси; 2 *разг.* талончи, товламачи; юлғич.

ГРАБИ́ТЕЛЬНИЦА *ж см.* **граби́тель**.

ГРАБИ́ТЕЛЬСК/ИЙ, **-ая**, **-ое** талончиликка (талашга) қаратилган, талончиликдан иборат бўлган; талончилик...; **~ая поли́тика** талончилик сиёсати; **~ие це́ны** ҳаддан ташқари баланд нархлар, хонавайрон қиладиган (шиладиган) нарх-наво.

ГРАБИ́ТЕЛЬСТВО *с уст. то же, что* **грабёж**.

ГРАБИ́ТЬ I, **-блю** **-бишь** *несов.* (*сов.* **огра́бить**) *кого-что* таламоқ, ўғирламоқ, шилмоқ, босқинчилик қилмоқ; **~ на большо́й доро́ге** катта йўлда таламоқ (шилмоқ); катта йўлда талончилик қилмоқ; 2 *разг.* таламоқ, талон-торож қилмоқ, шилмоқ, юлмоқ, товламоқ; хонавайрон қилмоқ.

ГРАБИ́ТЬ II, **-блю**, **-бишь** *несов. что обл.* хаскашламоқ, хаскаш билан тозаламоқ, тўпламоқ.

ГРА́БЛИ *мн.*, *р.* **-бель** и **-блей** хаскаш; **ко́нные ~** отга қўшиладиган хаскаш, от хаскаш.

ГРА́БОВЫЙ, **-ая**, **-ое** граб дарахтига ва ёғочига оид, граб ёғочидан ясалган; граб...; **~ лес** грабзор ўрмон.

ГРАВЁР *м* ўймакор, ҳаккок, наққош.

ГРАВЁРН/ЫЙ, **-ая**, **-ое** ўймакорликка ва ўймакорларга оид; ўймакорлик...; **~ая мастерска́я** ўймакорлик ишхонаси; **~ые рабо́ты** ўймакорлик ишлари.

ГРАВИЙ *м* шағал; **строи́тельный ~** қурилишда ишлатиладиган шағал.

ГРАВИ́ЙНЫЙ, **-ая**, **-ое** шағал олинадиган, шағалли; шағал...; **~ карье́р** шағал кони.

ГРАВИМЕ́ТР *м* гравиметр (оғирлик кучи таъсиридаги тезланишни аниқлайдиган асбоб).

ГРАВИМЕТРИ́ЧЕСК/ИЙ, **-ая**, **-ое** гравиметрик; гравиметрия...; **~ая съёмка** гравиметрик съёмка; **~ие измере́ния** гравиметрик ўлчашлар.

ГРАВИМЕ́ТРИЯ *м* гравиметрия (ер шарининг турли нуқталарида оғирлик кучининг қийматини ўрганиш ва ундан амалий мақсадларда фойдаланиш билан шуғулланувчи фан).

ГРАВИРОВА́ЛЬН/ЫЙ, **-ая**, **-ое** ўймакорликка, наққошликка оид; ўймакорликда, наққошликда ишлатиладиган; ўймакорлик...; наққошлик...; **~ые инструме́нты** ўймакорлик асбоблари; **~ое иску́сство** наққошлик санъати.

ГРАВИРОВА́ТЬ, **-ру́ю**, **-ру́ешь** *несов. что* и *без доп.* ўймакорлик усули билан нақш солмоқ, ўйиб нақш туширмоқ, ишламоқ; **~ портре́т** ўймакорлик усули билан портрет ишламоқ, портретни ўйиб ишламоқ; **~ на ме́ди** мисга (ўйиб) нақш туширмоқ.

ГРАВИРО́ВК/А *ж* 1 *по гл.* **гравирова́ть**; **~ узо́ров** ўйиб гул (нақш) тушириш; 2 ўйма нақш, безак, гул; **укра́сить изде́лие ~ой** буюмни ўйма нақш билан безамоқ.

ГРАВИРО́ВЩИК *м* ўймакор уста, наққош, ҳаккок.

ГРАВИРО́ВЩИЦА *ж см.* **гравиро́вщик**.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ГРАВИТАЦИО́ННЫЙ, -ая, -ое гравитацияга оид; гравитация (тортишув) қонунларига асосланган, гравитацион; гравитация...; **~ое по́ле** гравитация (тортишув, тортиш майдони); **~ый ме́тод обогаще́ния поле́зных ископа́емых** фойдали қазилмаларни бойитишнинг гравитацион усули.

ГРАВИТА́ЦИЯ *ж* 1 *физ.* гравитация, тортув, тортишув, тортиш, тортишиш (жисмларнинг бир-бирини тортиш хусусияти); 2 *то же, что* **гравитацио́нный ме́тод обогаще́ния;** *см.* **гравитацио́нный.**

ГРАВЮ́РА *ж* гравюра (1 ўйма нақш, сурат; 2 *полигр.* ўйма клише ёки пластинкадан босилган сурат).

ГРАД I *м* 1 дўл; **вы́пал си́льный ~** қаттиқ дўл ёғди; 2 *перен. чего* дўлдай (дув-дув) ёғилаётган нарса, ёмғир, сел, жала; **~ обвине́ний** дўлдай ёғдирилган айблар; 3 *в знач. нареч.* **~ом** дўлдай, селдай, ёмғирдай, ғарқ-ғарқ, дув-дув; **пот льётся ~ом** тер сел бўлиб қуйилянти, ғарқ-ғарқ (дув-дув) тер оқянти.

ГРАД II *м уст. то же, что* **го́род.**

ГРАДА́ЦИЯ *ж книжн.* градация (бир босқич ёки ҳолатдан иккинчи босқич ёки ҳолатга ўтишдаги изчиллик).

ГРАДИЕ́НТ *м физ.* градиент (бирор катталикнинг масофа бирлигига силжиш мобайнида ўзгаришлари бирлиги); **температу́рный ~** ҳарорат градиенти; **~ вла́жности** намлик градиенти; **~ ско́рости ве́тра** шамол тезлиги градиенти.

ГРА́ДИНА *ж разг.* бир дона дўл, дўл донаси.

ГРАДИ́РНЯ *ж, р. мн.* **-рен** градирня (1 шўр сувдан туз олинадиган жой ва сувдан туз ажратадиган қурилма; 2 иссиқ сувни совутадиган минорасимон қурилма).

ГРАДИ́РОВАТЬ *сов.* и *несов. что* шўр сувни буғлантириб туз чиқармоқ.

ГРАДОБИ́ТИ/Е *с* дўл уриш; **страхова́ние посе́вов от ~я** экинларни дўл уриш хавфига қарши страхование қилиш.

ГРАДОВ/ОЙ, -а́я, -о́е дўлга оид; дўл...; **~ы́е ту́чи** қора булут, дўл булути.

ГРАДОНАЧА́ЛЬНИК *м* шаҳар бошлиғи, шаҳар ҳокими.

ГРАДОСТРОЕ́НИЕ *с то же, что* **градострои́тельство.**

ГРАДОСТРОИ́ТЕЛЬ *м* шаҳарсоз, шаҳар қурувчи (шаҳар қурилиши ва уларнинг планларини тузиш бўйича мутахассис архитектор).

ГРАДОСТРОИ́ТЕЛЬНЫ/Й, -ая, -ое шаҳар қурилишига (шаҳар қуриш ишларига) оид; шаҳар қуриш...; шаҳар қурилиши...; шаҳарсозлик...; **~е рабо́ты** шаҳар қурилиши ишлари.

ГРАДОСТРОИ́ТЕЛЬСТВО *с* шаҳарсозлик, шаҳар қурилиши, шаҳар барпо этиш, шаҳар бинокорлиги; **сове́тское ~** совет шаҳар қурилиши.

ГРАДУИ́РОВАТЬ *сов.* и *несов. что спец.* даражаламоқ, градусларга, даражаларга бўлмоқ; **~ термо́метр** термометрни даражаламоқ, градусларга бўлмоқ.

ГРА́ДУС *м* 1 градус, даража; **у́гол в 60 ~ов** (60°) 60 градусли (60°) бурчак; **моро́з в 10 ~ов** 10 даража совуқ; 2 градус, даража, бўлинма (термометр, барометр ва ш. к. шкаласида); 3 *перен. чего или какой* даража, меъёр; **~ зло́сти** ғазаб даражаси; **✦ под ~ом** маст ҳолда, кайф устида; маст, кайфи бор; кайф билан.

ГРА́ДУСНИК *м разг. то же, что* **термо́метр.**

ГРА́ДУСН/ЫЙ, -ая, -ое даражали, даражаланган, даражаларга бўлинган; градус...; даража...; **~ая се́тка** даража катаклари (географик хариталарда).

ГРАЖДАНИ́Н *м, мн.* **гра́ждане** 1 граждан, фуқаро, табаа; **~ СССР** СССР граждани; 2 гражданин (вояга етган киши, шунингдек унга мурожаат формаси); **~, вы куда́?** гражданин, сиз қаёққа?; **неизве́стный ~** номаълум киши, номаълум гражданин; 3 *высок.* гражданин, ватаннинг ҳақиқий фарзанди, чин инсон; **Поэ́том мо́жешь ты не быть, но ~ом быть обя́зан** (Некрасов) Сенинг шоир бўлишинг шарт эмас, лекин албатта гражданин (чин инсон) бўлишинг керак; **✦ потомственный почётный ~** наслий ҳурматли гражданин (революциядан илгариги Россияда: оддий кишилардан етишиб чиққан олимларга ёки хизмат кўрсатган кишиларга берилган унвон).

ГРАЖДА́НКА I *ж, р. мн.* **-нок** гражданка, **граждан**аёл.

ГРАЖДА́НКА II *ж разг.* ноҳарбий, оддий ҳаёт, гражданлик ҳаёти (ҳарбийлар нутқида).

ГРАЖДА́НСК/ИЙ, -ая, -ое 1 гражданларга, уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва ўзаро муносабатларига оид; гражданлик...; **~ий ко́декс** гражданлик кодекси (гражданлик қонунлари мажмуаси); **~ое пра́во** гражданлик ҳуқуқи; **за́пись а́ктов ~ого состоя́ния** гражданлик ҳолати актлари ҳақидаги ёзув; 2 ҳақиқий (чин) инсонга хос бўлган, гражданлик...; инсоний; **~ий долг** гражданлик бурчи, инсоний бурч; **~ое му́жество** чин инсонга хос мардлик; **~ая ли́рика** инсоний лирика; 3 ҳарбий бўлмаган, ноҳарбий, оддий; **в ~ом пла́тье** оддий (ноҳарбий) кийимда; 4 бутхонага (динга) алоқаси бўлмаган, черков (дин) иштирокисиз, дунёвий; **~ая панихи́да** дунёвий (черковдан ташқаридаги) мотам маросими; **~ий шрифт** Пётр I жорий этган (черков ҳарфларидан фарқли) янги ҳарфлар; **~ий брак** черков (дин) иштирокисиз никоҳ, қонуний никоҳ; **✦ ~ая война́** гражданлар уруши; **~ая смерть** *уст.* гражданлик ҳуқуқларининг барчасидан маҳрум бўлиш.

ГРАЖДА́НСТВЕННОСТЬ *ж* гражданлик ҳис-туйғуси; ватанга содиқлик, фидокорлик.

ГРАЖДА́НСТВ/О *с* гражданлик, фуқаролик; **приня́ть сове́тское ~о** совет гражданлигини қабул қилмоқ; **✦ получи́ть права́ ~а** расм бўлмоқ, расмга айланмоқ, одат (урф) бўлиб қолмоқ.

ГРАЙ *м нар.-поэт.* и *обл.* қағиллаш, **чуғурлаш**; **қағқағ, чуғур-чуғур.**

ГРАМЗАПИС/Ь *ж* грамзапись (нутқ, музика ва ш. к. ни пластинкага, плёнкага ёзиб олиш ва шундай ёзувнинг ўзи); **передава́ть му́зыку в ~и** ёзиб олинган музикани эшиттирмоқ.

ГРАММ *м, р. мн.* **-ов** грамм; **сто ~ов** юз грамм; **✦ ~-а́том** *хим. физ.* грамм-атом; **~-моле́кула** *хим. физ.* грамм-молекула.

ГРАММАТИК/А *ж* 1 грамматика; **~а ру́сского языка́** рус тили грамматикаси; **тео́рия ~и** грамматика назарияси; 2 грамматика дарслиги (китоби); **академи́ческая ~а узбе́кского языка́** ўзбек тилининг академик грамматикаси.

ГРАММАТИ́СТ *м* грамматика мутахассиси.

ГРАММАТИ́ЧЕСК/ИЙ, -ая, -ое грамматикага оид; грамматик; грамматика...; **~ий строй языка́** тилнинг грамматик қурилиши; **~ие оши́бки** грамматик хатолар.

ГРАММОФО́Н *м* граммофон.

ГРАММОФО́ННЫЙ граммофонга оид; граммофон...; **~ая пласти́нка** граммофон пластинкаси.

ГРАМОТ/А *ж* 1 савод, хат-савод; **вы́учиться ~е** хат-савод ўрганмоқ, савод чиқармоқ; саводи чиқмоқ; 2 бошланғич билим, савод, маълумот, алифбо; **полити́ческая ~а** бошланғич сиёсий маълумот, сиёсий савод; 3 ёрлиқ; **вери́тельная ~а** *дипл.* ишонч ёрлиғи; **почётная ~а** фахрий ёрлиқ; 4 *уст.* хат, мактуб; **✦ фи́лькина ~а** *прост.* саводсизларча ёзилган, инобатга олиб бўлмайдиган ҳужжат.

ГРАМОТЕ́Й *м уст.* и *шутл.* хат-саводли одам, саводхон.

ГРАМОТНОСТ/Ь *ж* 1 саводлилик, саводхонлик, ўқиш-ёзишни билиш; савод; **повыше́ние ~и населе́ния** халқнинг саводхонлилигини кўтариш; халқ саводхонлигининг кўтарилиши; 2 *перен.* ўз соҳасини яхши билиш, саводлилик, билимдонлик; **техни́ческая ~ь** техникадан саводлилик; **полити́ческая ~ь** сиёсий саводлилик; 3 грамматик ва стилистик жиҳатдан тўғрилик, хатосизлик; **~ь сочине́ния** иншонинг хатосизлиги; 4 *перен.* илм-фан, техника талабларига мослик, саводли ишланганлик; **~ь чертежа́** чизманинг саводли ишланганлиги.

ГРАМОТН/ЫЙ, -ая, -ое; -тен, -тна 1 саводли, ўқиш-ёзишни биладиган, саводхон; грамматика қоидаларига мувофиқ тўғри гапирадиган, ёзадиган; **~ый челове́к** саводли киши; 2 *перен.* ўз соҳасини яхши биладиган, саводли, билимдон; **~ый инжене́р** билимдон инженер; саводли инженер; 3 грамматик ва стилистик жиҳатдан тўғри ёзилган, хатосиз; **~ое сочине́ние** тўғри (хатосиз) иншо; 4 *перен.* тегишли талабларга мувофиқ ишланган; тўғри, саводли; **~ый рису́нок** тўғри чизилган расм.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ГРАМПЛАСТИ́НКА *ж, р. мн.* **-нок** грампластинка, граммофон пластинкаси.

ГРА́Н *м* гран (аптекачилик ишида: граммнинг 0,062 бўлагига тенг ўлчов бирлиги); ✦ **ни ~а** *чего* бир миқдор ҳам, заррача ҳам, ҳеч, сира; **в э́том нет ни ~а и́стины** бунда заррача ҳам ҳақиқат йўқ.

ГРАНА́Т I *м* анор.

ГРАНА́Т II ёқут.

ГРАНА́ТА *ж* граната (1 портловчи снаряд; **ручна́я ~** қўл гранатаси; **противота́нковая ~** танкка қарши граната; **артиллери́йская ~** артиллерия гранатаси; 2 *спорт.* иргитиладиган гимнастика асбоби).

ГРАНА́ТНЫЙ, -ая, -ое гранатага оид; граната..; **~ оско́лок** граната парчаси; **~ ого́нь** граната ўти; граната отиш.

ГРАНА́ТОВ/ЫЙ I, -ая, -ое анорга оид; анор...; **~ое де́рево** анор дарахти; **~ый сок** анор суви.

ГРАНА́ТОВЫЙ II, -ая, -ое 1 ёқутдан ясалган; ёқут кўзли; ёқут...; **~ браслет** ёқут кўзли билагузук; 2 ёқут ранг, қип-қизил.

ГРАНА́ТОМЕ́Т *м* гранатомёт (граната отадиган қурол); **противота́нковый ~** танкка қарши гранатомёт.

ГРАНА́ТОМЁТЧИК *м* 1 қўл гранатаси отувчи жангчи, граната отувчи; 2 гранатомётчи (гранатомёт билан қуролланган жангчи).

ГРАНД *м* гранд (сарой аъёнларига мансуб испан дворяни).

ГРАНДИО́ЗНОСТЬ *ж* жуда катталик, буюклик, улканлик.

ГРАНДИО́ЗН/ЫЙ, -ая, -ое; -зен, -зна жуда катта, буюк, улкан, азим, зўр; **~ое сооруже́ние** улкан иншоот; **~ая рабо́та** жуда катта иш, азим иш.

ГРАНЕ́НИЕ *с по гл.* **грани́ть.**

ГРАНЕ́НЫЙ, -ая, -ое 1 қиррали; **~ стака́н** қиррали стакан; 2 қирраланган, тарашланган, қирра чиқарилган; **~ хруста́ль** қирраланган биллур.

ГРАНИ́ЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое қирралайдиган, тарашлайдиган, қирралаш (тарашлаш) ишини бажарадиган; қирралаш...; тарашлаш...; **~ая фа́брика** тарашлаш фабрикаси.

ГРАНИ́ЛЬЩИК *м* сангтарош, тоштарош.

ГРАНИ́Т *м* гранит (рангдор, қаттиқ тоғ жинси).

ГРАНИ́ТН/ЫЙ, -ая, -ое гранитдан қилинган; гранит...; **~ая гли́ба** гранит балахаси, катта гранит парча; **~ый па́мятник** гранит ёдгорлик.

ГРАНИТО́ЛЕВЫЙ, -ая, -ое гранитолдан қилинган; гранитоль...; **~ портфе́ль** гранитоль портфель.

ГРАНИТО́Л/Ь *м* гранитоль (тери ўрнида ишлатиладиган махсус клеёнка); **переплёт из ~я** гранитолдан қилинган муқова, гранитоль муқова.

ГРА́НИТЬ *несов. что* қирраламоқ, тарашламоқ, тарашлаб, силлиқлаб қирра чиқармоқ; **~ алма́зы** олмосларни қирраламоқ; **~ хруста́ль** биллурни қирраламоқ, ✦ **~ мостову́ю** 1) кўп юрмоқ; 2) сандироқлаб юрмоқ, санқимоқ.

ГРАНИ́Ц/А *ж* 1 чегара, ҳудуд; **госуда́рственная ~а** давлат чегараси; 2 *перен.* чек, ҳад, доира, чегара, норма; **всему́ есть ~а** ҳамма нарсанинг чегараси бор; **вы́йти из ~ прили́чия** одоб чегарасидан четга чиқмоқ, ҳаддан ошмоқ (оширмоқ); ✦ **за ~ей** чет элларда; **за ~у** чет элларга; **из-за ~ы** чет эллардан.

ГРАНИ́ЧИТ/Ь, -чит *несов. с чем* 1 чегарадош бўлмоқ, ёндош бўлмоқ; **Монго́лия ~ с СССР** Монголия СССР билан чегарадош; 2 *перен.* яқин бўлмоқ (турмоқ); яқинлашмоқ, бориб тақалмоқ; **тру́сость ~ с преда́тельством** қўрқоқлик хоинликка олиб боради (хоинликка бориб тақалади).

ГРА́НК/А *ж, р. мн.* **-нок** *полигр.* гранка; **пра́вить ~и** гранкада хатоларни тузатмоқ.

ГРА́НУЛА *ж спец.* гранула, дона (донадор, қумоқ-қумоқ нарсаларда).

ГРАНУЛИ́РОВАНИЕ *с спец. по гл.* **гранули́ровать; ~ удобре́ний** ўғитларни донадор қилиш (қумоқлаш); ўғитларнинг донадор бўлиши (қумоқланиши).

ГРАНУЛИ́РОВАНН/ЫЙ, -ая, -ое *спец.* 1 *прич. от* **гранули́ровать;** 2 *в знач. прил.* грануляцияланган, донадор, қумоқ-қумоқ; **~ый шлак** қумоқланган (қумоқ-қумоқ) шлак.

ГРАНУЛИ́РОВАТЬ *сов. и несов. что спец.* грануляцияламоқ, донадор қилмоқ, қумоқламоқ; **~ хими́ческие удобре́ния** химиявий ўғитларни грануляцияламоқ.

ГРАНУЛЯ́ЦИЯ *ж* 1 *спец.* грануляция, грануляциялаш; грануляцияланиш, донадор (дона-дона) ҳолга келиш (келтириш); **~ удобре́ний** ўғитларни грануляциялаш; ўғитларнинг грануляцияланиши; 2 *мед.* эт олиш, битиш; янги эт (мас., битган ярада); 3 *астр.* грануляция (қуёш бетидаги донадор объектлар).

ГРА́Н/Ь *ж* 1 чегара, ҳудуд; 2 *мат.* ёқ; **~и ку́ба** кубнинг ёқлари; 3 қирра; **~и стака́на** стакан қирралари; 4 *перен.* чегара; тафовут, фарқ; **стира́ние ~и ме́жду физи́ческим и у́мственным трудом** жисмоний меҳнат билан ақлий меҳнат орасидаги фарқнинг йўқола бориши; ✦ **на ~и** *чего* олдида, ёқасида; **на ~и войны́** уруш ёқасида, урушга тақалиб турибди, уруш бўлай деб турибди.

ГРАССИ́РОВАНИЕ *с по гл.* **грасси́ровать.**

ГРАССИ́РОВАТЬ *несов.* «р» ҳарфини чучук ёки буриб талаффуз этмоқ.

ГРА́Ф *м* граф (бароидан юқори дворянлик унвони ва шундай унвонли киши).

ГРА́ФА *ж* 1 графа (жадвал, бухгалтерия дафтари ва ш. к. нинг тик чизиқлар билан ажратилган устуни); 2 графа, устун, катак, хона; **~ в анке́те** анкета графаси.

ГРА́ФИК I *м* 1 график, диаграмма, жадвал; **~ измене́ния давле́ний** босимнинг ўзгаришлари графиги; **~ движе́ния поездо́в** поездлар ҳаракати жадвали; 2 график (вазифа ва уни бажариш муддати аниқ белгиланган план); **рабо́тать стро́го по ~у** қатъий график асосида ишламоқ.

ГРА́ФИК II *м* график (графикачи рассом).

ГРА́ФИК/А *ж* 1 графика (бўёқсиз, фақат чизиқлар билан расм солиш санъати ва шундай расмларнинг ўзи); **иску́сство ~и** графика санъати; **вы́ставка ~и** графика кўргазмаси; 2 *лингв.* графика, ёзув; **ру́сская ~а** рус графикаси, рус ёзуви.

ГРАФИ́Н *м* графин; **хруста́льный ~** хрусталь графин.

ГРАФИ́НЯ *ж* графиня (графнинг хотини ёки қизи).

ГРАФИ́Т *м* 1 графит (қора қалам, бўёқ ва ҳ. к. тайёрлашда ишлатиладиган минерал углероднинг бир кўриниши); 2 қалам ўзаги.

ГРАФИ́ТНЫЙ, -ая, -ое *то же, что* **графи́товый.**

ГРАФИ́ТОВЫЙ, -ая, -ое графитга оид; графитдан қилинган; графитли; графит...; **~ сте́ржень** графит стержень.

ГРАФИ́ТЬ, -флю́, -фи́шь *несов.* (*сов.* **разграфи́ть**) *что* графаламоқ, графалар чизмоқ; **~ бума́гу** қоғозга графалар чизмоқ, қоғозни графаламоқ.

ГРАФИ́ЧЕСК/ИЙ I, -ая, -ое графикага оид; графика...; **~ое иску́сство** графика санъати; **~ий вариа́нт сло́ва** сўзнинг график варианти (ёзма шакли).

ГРАФИ́ЧЕСКИ/Й II, -ая, -ое график шаклидаги; график; **~й ме́тод реше́ния зада́чи** масалани график йўл билан ечиш (ҳал этиш); **~е постро́ения** график ясашлар.

ГРАФЛЕ́НИЕ *с по гл.* **графи́ть; ~ бума́ги** қоғозни графалаш.

ГРАФЛЁН/ЫЙ, -ая, -ое графаланган, чизилган, чизиқли; **~ая бума́га** графаланган қоғоз, чизиқли қоғоз.

ГРАФО́ЛОГ *м* графолог, графология мутахассиси.

ГРАФОЛОГИ́ЧЕСКИЙ, -ая, -ое графологияга оид; графологик; **~ ме́тод** графологик метод.

ГРАФОЛО́ГИЯ *ж* графология (хатига қараб кишининг характерини билиш мумкин деган назария).

ГРАФОМА́Н *м* графоман (графманияга дучор бўлган киши).

ГРАФОМА́НИЯ *ж* графомания (ёзишга ишқибозлик, ёзувчиликка беҳуда уриниш, қўлдан келса-келмаса ёзавериш).

ГРАФОМА́НКА *ж, р. мн.* **-нок** *см.* **графома́н.**

ГРАФСКИ/Й, -ая, -ое графга оид, қарашли; граф (лар)...; **~й ти́тул** граф унвони; **~е зе́мли** граф ерлари.

ГРАФСТВО *с* графлик (1 граф унвони; 2 Англия, АҚШ ва бошқа баъзи мамлакатларда: йирик маъмурий бўлиниш, вилоят; 3 феодализм даврида: граф тасарруфидаги ерлар).

www.ziyouz.com kutubxonasi

ГРАЦИО́ЗНО *нареч.* нозик (латиф, чиройли) ҳаракатлар билан, назокат билан, жавлон уриб, жилва қилиб, хиром айлаб; ~ **поклони́ться** назокат билан салом бермоқ.

ГРАЦИО́ЗН/ЫЙ, -ая, -ое; -зен, -зна 1 хушандом, хушқад, нозик, латиф, хиромон; ~**ая де́вушка** хушандом қиз, андоми, ҳаракатлари ўзига келишган қиз, хироманда; ~**ый та́нец** нозик рақс; ~**ые движе́ния** нозик ҳаракатлар; 2 нозик, чиройли, гўзал (бадиий асар ҳақида); ~**ые украи́нские пе́сни** чиройли украин қўшиқлари.

ГРА́ЦИЯ *ж* 1 нозик ҳаракат, латофат, назокат, хиром, жилва; 2 грация (хотин-қизларнинг гавдани сиқиб турадиган ички кийими); 3 *перен. уст.* нозанин, зебо, соҳиб-жамол.

ГРАЧ *м, р.* **-а́** гўнгқарға.

ГРА́ЧИН/ЫЙ, -ая, -ое гўнгқарғага оид; гўнгқарға...; ~**ое гнездо́** гўнгқарға уяси.

ГРАЧО́НОК *м, р.* **-нка,** *мн.* **-ча́та** гўнгқарға боласи, жўжаси.

ГРЕБЕ́НК/А *ж, р. мн.* **-нок** тароқ; ✦ **стричь под ~у** сочни қисқа қилиб олмоқ(олдирмоқ); **стричь (всех) под одну́ ~у** суриштирмай ҳаммани бараварлаштирмоқ.

ГРЕБЕ́НЧАТЫ/Й, -ая, -ое тароқсимон, тароққа ўхшаш (ўхшаган); тароқли; ~**е ли́стья** тароқсимон барглар.

ГРЕ́БЕНЬ *м, р.* **-бня** 1 тароқ; 2 *тех.* тароқ (машиналарнинг тароққа ўхшаш қисми, мосламаси); **прядильный** ~ йигирув машинасининг тароғи; 3 гребень (қўлда ип йигиришда жун, пахта ва ҳ. к. илиб қўйиладиган қўндоқ); 4 тож; **петуши́ный** ~ хўроз тожи; 5 қирра, чўққи, ўркач; ~**горы́** тоғ қирраси; ~ **волны́** тўлқин ўркачи; ✦ **на гре́бне** *чего* чўққисида; **на гре́бне революцио́нной волны́** инқилоб тўлқини чўққисида, инқилобий тўлқин чўққисига чиққан пайтда.

ГРЕБЕ́Ц *м, р.* **-бца́** эшкакчи, эшкак эшувчи.

ГРЕБЕШО́К *м, р.* **-шка́** 1 *уменьш. от* **гре́бень** 1, 3, 4.

ГРЕ́БЛЯ *ж* эшкак эшиш.

ГРЕБНЕВИ́ДНЫЙ, -ая, -ое; -ден, -дна тароқсимон, тароққа ўхшаш (ўхшаган); қиррали.

ГРЕБН/О́Й, -а́я, -о́е 1 эшкак эшишга оид; эшкакли; ~**о́е су́дно** эшкакли кема; ~**о́й спорт** эшкакли қайиқда сузиш спорти; 2 *тех.* эшкак вазифасини бажарувчи; эшкак...; ~**о́й винт** эшкак винт; ~**о́е колесо́** эшкак паррак (кемаларда).

ГРЕБ/О́К *м, р.* **-бка́** 1 эшкак қулочи; эшкак билан бир қулоч отиш, бир эшкак эшиш; **сде́лать не́сколько си́льных ~ко́в** бир неча марта қаттиқ эшкак эшиш; 2 қисқа эшкак; 3 паррак қаноти.

ГРЕ́З/А *ж* 1 хаёл, ширин хаёл, орзу; **де́вичьи ~ы** қизлар орзуси; 2 туш; хаёлда ёки алаҳлаганда кўринган нарса.

ГРЕ́ЗИТЬ, гре́жу, гре́зишь *несов.* 1 орзу қилмоқ, ширин хаёлга ботмоқ; 2 туш кўрмоқ; алаҳламоқ.

ГРЕ́ЗИТЬСЯ, -ится *несов.* 1 хаёлда кўринмоқ, хаёлга келмоқ; 2 тушда кўринмоқ, тушга кирмоқ.

ГРЕЙДЕР *м* 1 грейдер, 2 *разг.* грейдерланган йўл.

ГРЕЙДЕРИ́СТ *м* грейдерчи, грейдер ҳайдовчи.

ГРЕЙДЕРН/ЫЙ, -ая, -ое грейдерга оид; грейдер билан ишланган, грейдерланган; грейдер...; ~**ая доро́га** грейдер билан ишланган йўл, грейдерланган йўл.

ГРЕ́ЙПФРУТ *м бот.* грейпфрут (цитруслар туркумига мансуб апельсинсимон мевали дарахт ва унинг меваси).

ГРЕ́ЙФЕР *м тех.* грейфер (кўтаргич кранларнинг юкни чангаллаб олувчи икки паллали чўмичи).

ГРЕ́ЙФЕРНЫЙ, -ая, -ое *тех.* грейферга оид; грейферли; грейфер...; ~ **кран** грейферли кран.

ГРЕК *м* грек; *см.* **гре́ки.**

ГРЕ́КИ *мн. (ед.* **грек** *м,* **грека́нка** *ж)* греклар, грек халқи; **дре́вние** ~ юнонлар.

ГРЕ́ЛКА *ж, р. мн.* **-лок** грелка; **рези́новая** ~ резина грелка.

ГРЕМ/ЕТЬ, -млю́, -ми́шь *несов. (сов.* **прогреме́ть**) 1 гулдирамоқ, гумбурламоқ, қалдирамоқ; жаранг-журунг қилмоқ, жарангламоқ; **гром ~и́т** момақалдироқ гумбурлаяпти; ~**е́ли пу́шки** тўплар гумбурларди; ~**я́т колокола́** қўнғироқлар жарангламоқда; 2 *чем* гулдуратмоқ, гумбурлатмоқ, тарақлатмоқ, жаранглатмоқ; ~**е́ть посу́дой** идишларни бир-бирига тарақ-туруқ (жаранг-журунг) урмоқ; 3 *перен.* машҳур бўлмоқ, ном чиқармоқ, донг таратмоқ; ~**и́т сла́ва** донги чиқди, шуҳрати оламга таралди.

ГРЕМУ́Ч/ИЙ, -ая, -ее шалдироқ, шақилдоқ, шалдир-шулдир, жангир-жунгир; ~**ий бу́бен** бак-бакабанг доира; ✦ ~**ая змея́** шақилдоқ илон (тропикада бўладиган заҳарли илон); ~**ая ртуть** (симобли) портловчи модда; ~**ий газ** портловчи газ (водород билан кислороднинг портловчи аралашмаси).

ГРЕ́НА *ж собир.* қурт (ипак қурти) уруғи.

ГРЕНАДЕ́Р *м* гренадер (Чор Россияси ва баъзи чет эл армияларида: бўйдор кишилардан саралаб тузилган полкнинг ҳарбий хизматчиси); **ро́та дворцо́вых ~ов** сарой гренадёрлари ротаси.

ГРЕНАДЕ́РСКИЙ, -ая, -ое гренадёрга оид; гренадёр(лар)...; ~ **полк** гренадёрлар полки.

ГРЕНА́Ж *м* ипак қурти уруғини олиш, тайёрлаш.

ГРЕНА́ЖНЫЙ, -ая, -ое ипак қурти уруғини олишга, тайёрлашга оид; қурт уруғ олиш (тайёрлаш...); ~ **пункт** қурт уруғ тайёрлаш пункти.

ГРЕ́НК/И *мн. (ед.* **грено́к** *м)* қовурилган бурда нон; **суп с ~а́ми** қовурилган бурда нонли шўрва.

ГРЕСТИ́ I, гребу́, гребёшь; грёб, гребла́ *несов. что чем* тўпламоқ, йиғиштирмоқ (хаскаш ёки курак билан); ~**сено́** пичанни тўпламоқ; ✦ ~ **лопа́той де́ньги** супургандай пул топмоқ.

ГРЕСТИ́ II, гребу́, гребёшь; грёб, гребла́ *несов.* эшкак эшмоқ, эшкак билан қайиқни юргизмоқ, ҳайдамоқ; **энерги́чно** ~ зўр бериб эшкак эшмоқ; ~ **к бе́регу** эшкак билан қайиқни қирғоқ томон ҳайдамоқ.

ГРЕ́ТЬ *несов.* 1 иссиқ бермоқ, иситмоқ, илитмоқ, қиздирмоқ; **со́лнце гре́ет** қуёш, қиздиряпти; 2 иситмоқ, совуқдан сақламоқ; **шу́ба хорошо́ гре́ет** пўстин яхши иситади (иситяпти); 3 *кого-что* қиздирмоқ; иситмоқ; ~ **во́ду** сувни иситмоқ; ✦ ~ **ру́ки** *на чём разг.* бирор ишда бир нарсали бўлиб қолмоқ, қаллоблик билан бойимоқ, бойлик орттирмоқ.

ГРЕ́ТЬСЯ *несов.* 1 исинмоқ; ~ **у костра́** гулханда исинмоқ; 2 исимоқ, қизимоқ; **вода́ гре́ется** сув исияпти; **подши́пник гре́ется** подшипник қизиб кетяпти.

ГРЕХ *м, р.* **-а́** 1 *рел.* гуноҳ, ёзиқ; **впасть в** ~ гуноҳкор бўлмоқ; 2 *перен.* айб, айб иш, айбона, гуноҳ; ~**и́ мо́лодости** ёшлик (болалик) даврида қилинган гуноҳлар; **нельзя́ все ~и́ сва́ливать на одного́** ҳамма айбни бир кишига қўйиб бўлмайди; 3 *в знач. сказ.* айб бўлади, уят, яхши эмас; **над ста́ростью смея́ться** ~ қариликдан кулиш яхши эмас; ✦ **дурён (дурна́, ду́рно) как сме́ртный** ~ ўлгудай хунук, таъвия, тасқара; **как на** ~ *разг.* атайлаб қилгандай, ўчакишгандай; аксига; **не** ~ *кому разг.* гуноҳ эмас, айби йўқ, мумкин; **от ~а́ пода́льше** *разг.* бало-офатдан узоқроқ бўлиш учун, нохушликдан қочиш учун; **с ~о́м попола́м** *разг.* зўрга, бир амаллаб; **что (или не́чего) ~а́ тайть** *разг.* айбни бўйнига олиш керак, (айбга) иқрор бўлмоқ керак.

ГРЕХО́ВН/ЫЙ, -ая, -ое; -вен, -вна *уст.* гуноҳга ботган (тўлган), гуноҳли, гуноҳкор; ~**ая жизнь** гуноҳга тўлган ҳаёт; ~**ые мы́сли** гуноҳли (гуноҳ ҳисобланадиган) фикрлар.

ГРЕХОВО́ДНИК *м разг. уст.* бузуқ одам, ахлоқсиз, фосиқ.

ГРЕХОВО́ДНИЦА *ж разг. уст. см.* **греховодник.**

ГРЕХОПАДЕ́НИЕ *с* 1 гуноҳ қилиш, гуноҳкорлик, осийлик. (Одамато билан Момоҳавонинг худога итоатсизлиги); 2 *перен. книжн. ирон.* йўлдан озиш, ножўя иш қилиш.

ГРЕЦК/ИЙ, -ая, -ое: ~**ий оре́х** ёнғоқ; ~**ая гу́бка** мочалка.

ГРЕ́ЧА *ж разг.* 1 *то же, что* **гречи́ха;** 2 *то же, что* **гре́чневая крупа́** *см.* **гре́чневый.**

ГРЕЧА́НКА *ж, р. мн.* **-нок** грек аёл, гречанка; *см.* **гре́ки.**

ГРЕЧЕСК/ИЙ, -ая, -ое Грецияга ва грекларга оид; Греция...; грек(лар)...; ~**ий язы́к** грек тили; ~**ая культу́ра** грек(лар) маданияти.

ГРЕЧИ́ХА *ж* гречиха, маржумак (ғалла экинларининг бир тури ва унинг дони).

www.ziyouz.com kutubxonasi

ГРЕЧИШН/ЫЙ, -ая, -ое гречихадан қилинган (олинган); гречиха...; ~ый мёд гречиха асали (гречиха гулидан олинган асал).

ГРЕЧК/А *ж разг. то же, что* **гречи́ха**; ✦ **в ~у** қорақора ҳолли (от туси ва шундай тусли от ҳақида).

ГРЕЧНЕВ/ЫЙ, -ая, -ое гречихадан қилинган; гречиха...; ~ая ка́ша гречиха ёрмасидан қилинган бўтқа; ~ое зерно гречиха бўтқаси; ~ая крупа́ гречиха крупаси (ёрмаси).

ГРЕШИ́ТЬ *несов.* 1 (*сов.* **согреши́ть**) *рел.* гуноҳ қилмоқ, гуноҳкор (осий) бўлмоқ; 2 (*сов.* **погреши́ть**) *против чего* или *чем* бирор айб ёки хилоф иш қилмоқ, хато қилмоқ, янглишмоқ; камчиликка нуқсонга эга бўлмоқ; ~ **про́тив и́стины** ҳақиқатга хилоф иш қилмоқ (ёки гапирмоқ); ~ **нето́чностями** ноаниқликлари бор бўлмоқ; ноаниқликларга йўл қўймоқ.

ГРЕ́ШНИК *м* гуноҳкор, осий.

ГРЕ́ШНИЦА *ж* гуноҳкор аёл.

ГРЕШНО́ *в знач. сказ. с неопр. разг.* уят бўлади; уят, айб; гуноҳ, яхши эмас; ~ **вам так говори́ть!** бундай дейиш сизга айб!

ГРЕ́ШН/ЫЙ, -ая, -ое; -шен, -шна́, -шно 1 гуноҳкор, гуноҳли, ёзиқли; осий; ~ый челове́к гуноҳкор одам; ~ые по́мысел ёмон ният; 2 гуноҳга ботган (тўлган); ~ая жизнь гуноҳга тўлган ҳаёт; 3 *в знач. сказ. разг.* гуноҳкор (ман); айбдор (ман); **я перед ва́ми гре́шен** сизнинг олдингизда гуноҳкорман; ✦ ~ым де́лом *в знач. вводн. сл. разг.* афсуски; иқрор бўлиш керак, иқрорман; **я, ~ым де́лом, солга́л** мен, иқрор бўлишим керак, ёлғон гапирдим (гапирган эдим).

ГРЕ́ШОК *м, р.* -шка́ 1 *уменьш. от* **грех** 1, 2; 2 *то же, что* **грех** 2.

ГРИБ *м, р.* -а́ замбуруғ, қўзиқорин, қурбақа салласи; **кра́сный** ~ қизил қўзиқорин; **съедо́бные ~ы** ейишли (еб бўладиган) замбуруғлар; ✦ **расти́** (или **вырасти́**) **как ~ы́ (по́сле дождя́)** тез кўпаймоқ, урчимоқ, кўпайиб кетмоқ.

ГРИБКО́В/ЫЙ, -ая, -ое 1 замбуруққа оид; замбуруғ...; қўзиқорин...; ~ая культу́ра замбуруғлар (бактериялар) ўстириш, замбуруғларни (бактерияларни) қўлда урчитиш; 2 замбуруғлар туфайли юзага келадиган; ~ые заболева́ния замбуруғлар туфайли юзага келадиган касалликлар.

ГРИБНИ́К *м, р.* -а́ *разг.* замбуруғ терувчи (қўзиқорин теришни яхши кўрадиган) одам.

ГРИБНИЦА *ж* 1 *см.* **грибни́к**; 2 *бот.* замбуруғ танаси; 3 *обл.* и *прост.* замбуруғ шўрва.

ГРИБ/О́Й, -а́я, -о́е 1 замбуруққа оид; замбуруғ...; қўзиқорин...; ~о́й за́пах қўзиқорин ҳиди; ~о́е ме́сто қўзиқорин кўп жой; 2 замбуруғдан (қўзиқоринлардан) қилинган; замбуруғ...; ~о́й со́ус қўзиқоринлардан тайёрланган соус (қайла); ✦ ~о́й дождь бўри туғди (қуёш чиқиб турган пайтда ёмғир ёғиши).

ГРИБОВИДН/ЫЙ, -ая, -ое замбуруғ шаклидаги, қўзиқоринга, қурбақанинг салласига ўхшаш (ўхшаган); ~ое о́блако қўзиқоринга ўхшаш булут.

ГРИБО́К *м, р.* -бка́ 1 *уменьш. от* **гриб**; 2 ёғоч каллак (пайпоқ ва ш. к. тўқишда ишлатиладиган); 3 бир нав замбуруғ ва унинг туфайли юзага келадиган тери касаллиги; 4 соябон шаклидаги айвонча, беседка.

ГРИ́ВА *ж* ёл; **льви́ная** ~ шер ёли; **ко́нская** ~ от ёли.

ГРИВА́СТЫЙ, -ая, -ое узун ёлли, ёли узун.

ГРИВЕННИК *м разг.* ярим танга (ўн тийинлик).

ГРИВИСТЫЙ, -ая, -ое ёлли, ёлдор; ~ **бара́н** ёлдор қўй.

ГРИВНА *ж, р. мн.* -вен 1 гривна (Қадимги Русда: оғирлиги бир қадоқча келадиган кумуш ёмбн; пул бирлиги); 2 *уст.* ярим танга; **рубль и семь гри́вен** бир сўм етмиш тийин; 3 қадимги халқларда: бўйинга тақиладиган кумуш ёки олтин безак, жевак.

ГРИГОРИАНСК/ИЙ, -ая, -ое: ~ий календа́рь, ~ое летосчисле́ние григориан календари, григориан йил ҳисоби.

ГРИ́ДНИЦА *ж* Қадимги Русда князь дружинаси турадиган ва меҳмонлар қабул қилинадиган хона.

ГРИ́ДНЯ *ж, р. мн.* -ден *то же, что* **гри́дница**.

ГРИДЬ *ж собир. ист.* Қадимги Русда: князь дружинаси.

ГРИЛЬЯЖ *м* ёнғоқли конфет.

ГРИМ *м* грим; **наложи́ть** ~ грим суртмоқ; грим қилмоқ; **игра́ть в ~е** гримда ўйнамоқ.

ГРИМАС/А *ж* 1 афтни, башарани буруштириш, юзни бужмайтириш; ғайритабиий ҳаракат, қилиқ; **де́лать ~ы** юз буруштириш; ~**а презре́ния** нафратланиб юз буруштириш, нафрат аломати; 2 *перен. что* иллат, қинғирлик; ~**ы бы́та** ҳаёт қинғирликлари, ҳаётдаги иллатлар.

ГРИМАСНИ́К *м разг.* афтни (юзни) буруштирувчи; қийшанғи, қиликдор.

ГРИМАСНИЦА *ж разг. см.* **грима́сник.**

ГРИМАСНИЧАТЬ *несов.* юз буруштирмоқ, афтни бужмайтирмоқ, ғайритабиий ҳаракатлар (қилиқлар) қилмоқ, қийшанглик қилмоқ.

ГРИМЁР *м* гримчи, гримловчи, грим қилувчи; **худо́жник-~** гримчи рассом.

ГРИМЕРН/ЫЙ, -ая, -ое 1 гримлашга оид, гримлаш учун хизмат қиладиган; гримлаш...; ~ые принадле́жности гримлаш керак-яроқлари; 2 *в знач. сущ.* ~ая *ж* гримлаш хонаси, гримхона.

ГРИМЕ́РСКИЙ, -ая, -ое гримчига оид; гримчи...

ГРИМЕ́РША *ж разг.* гримчи аёл.

ГРИМИРОВА́ЛЬНЫ/Й, -ая, -ое гримлашга оид; гримлаш учун хизмат қиладиган; гримлаш...; грим...; ~е кра́ски грим бўёқлари; грим учун ишлатиладиган бўёқлар; ~й стол гримлаш столи.

ГРИМИРОВА́ТЬ, -ру́ю, -ру́ешь *несов. кого-что* 1 (*сов.* **нагримирова́ть**) *кого-что* гримламоқ, грим қилмоқ, грим суртмоқ; ~ **себе́ лицо́** юзини гримламоқ, юзига грим суртмоқ; 2 (*сов.* **загримирова́ть**) *кого кем* гримлаб бирор қиёфага киритмоқ; қиёфасини ўзгартмоқ; ~ **де́вушку стару́хой** қиз болани грим билан кампир қилиб қўймоқ (кампир қиёфасига киритмоқ).

ГРИМИРОВА́ТЬСЯ, -ру́юсь, -ру́ешься *несов.* 1 (*сов.* **загримирова́ться**) ўзини (юзини) гримламоқ, ўзига (юзига) грим суртмоқ, грим қилмоқ; 2 *страд. от* **гримирова́ть.**

ГРИ́ПП *м* грипп; **ви́русный** ~ вирусли грипп.

ГРИППОВА́ТЬ, -пу́ю, -пу́ешь *несов. разг.* грипп билан оғримоқ, грипп бўлмоқ; **це́лую неде́лю ~л** бутун бир ҳафта грипп бўлиб ётдим.

ГРИППО́ЗН/ЫЙ, -ая, -ое гриппга оид; грипп билан боғланган, грипп натижасидаги; грипп...; ~ые явле́ния грипп билан боғланган ҳодисалар; ~ый больно́й грипп касалига дучор бўлган бемор; ~ое воспале́ние лёгких грипп натижасидаги (оқибатидаги) зотилжам.

ГРИФ I *м* 1 *миф.* гриф (бургут ёки арслон бошли, арслон гавдали баҳайбат қанотли махлуқ); 2 калхат, қорақуш.

ГРИФ II *м муз.* гриф (чолғу асбоблари дастаси бўйлаб ёпиштирилган пластинка, парда).

ГРИФ III *м* гриф (1 печать, муҳр, белги ва унинг қоғозга туширилган нусхаси; 2 китоб, ҳужжат ва ш. к. устидаги махсус ёзув); **бума́га с ~ом «секре́тно»** «махфий» грифли ҳужжат.

ГРИФЕЛЬ *м* 1 грифель, тошқалам; 2 *то же, что* **граф**и́т 2.

ГРИФЕЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое: ~ая доска́ тоштахта (тошқалам билан ёзиладиган тахта).

ГРИФО́Н *м* грифон (гриф ва унинг тасвири); *см.* **гриф** I, 1.

ДАВНО́ *нареч.* 1 анча олдин, анча илгари, анча бурун; аллақачон; **~э́то бы́ло** бунга анча бўлди, бунинг бўлганига анча вақт ўтди; **он ~ прие́хал** унинг келганига анча бўлди; у аллақачон келган; 2 анчадан, кўпдан бери, қачондан бери, аллақачонлардан бери (буён); **я его́ ~ зна́ю** мен уни анчадан бери биламан; **мы ~ не ви́делись** биз кўпдан бери кўришмаган эдик; **я уже́ ~ его́ жду** мен уни анчадан бери кутиб турибман, мен уни кўпдан бери кутаман; **~ пора́ нам е́хать** кетадиган вақтимиз бўлганига анча бўлди; қачонлар кетишимиз керак эди; ✦ **~ бы так!** аввалроқ шундай қилиш керак эди!; илгарироқ шундай қилганингда, яхши бўлар эди; **давны́м-~** *разг.* аллақачон; **он давны́м-~ уе́хал** у аллақачон кетиб қолган.

ДА́ВНОПРОШЕДШ/ИЙ, -ая, -ее *разг.* қачонлардир бўлиб ўтган, аллақачонги, жуда эски, қадимги; **~ие собы́тия** аллақачонги воқеалар, қачонлардир бўлиб ўтган (жуда эски, қадимги) воқеалар; ✦ **~ее вре́мя** *грам.* узоқ ўтган замон.

ДА́ВНОСТ/Ь *ж* 1 бўлиб ўтган (юз берган, содир бўлган) вақтининг узоқлиги; **~ь собы́тий** воқеаларнинг эскилиги; **за ~ью лет** анча йил(лар) ўтиб кетганлиги сабабли; 2 эскилик, қадимийлик; **~ь дру́жбы** дўстликнинг эскилиги, азалийлиги, қадимийлиги; 3 *юр.* муддат (қонун бўйича белгиланган вақт); **искова́я ~ь** даъво муддати; **по истече́нии сро́ка ~и** белгиланган муддат ўтиб кетганлиги сабабли.

ДАГЕСТА́НЕЦ *м, р.* **-нца** доғистонлик; *см.* **дагеста́нцы.**

ДАГЕСТА́НКА *ж, р. мн.* **-нок** доғистонлик аёл; *см.* **дагеста́нцы.**

ДАГЕСТА́НСКИ/Й, -ая, -ое Доғистонга ва доғистонликларга оид; Доғистон...; доғистонлик(лар)...

ДАГЕСТА́НЦЫ *мн.* (*ед.* **дагеста́нец** *м,* **дагеста́нка** *ж*) доғистонликлар, Доғистон халқлари.

ДА́ЖЕ *частица усилит.* 1 ҳатто, ҳаттоки, ҳатто... ҳам; **~ тепе́рь** ҳатто ҳозир; ҳатто ҳозирда ҳам; **~ я не зна́ю** ҳатто мен ҳам билмайман; **~ е́сли...** ҳатто... бўлган тақдирда ҳам; 2 *в знач. союза* ҳатто, ҳаттоки; **провода́ гудя́т всегда́, ~ при по́лном безве́трии** симлар доим, ҳатто сира шамол йўқ вақтида ҳам ғувуллаб туради; **сего́дня тепло́, ~ жа́рко** бугун кун иссиқ, ҳатто жазирама деса ҳам бўлади; ✦ **о́чень да́же** жуда ҳам; **о́чень ~ хорошо́** жуда ҳам яхши; **~и** ҳатто... ҳам; **~ и не поду́мал** ҳатто ўйлаб кўргани(м) ҳам йўқ, ҳатто ақли(м)га, хаёли(м)га ҳам келмаган эди.

ДА́КАТЬ *несов. прост.* ҳадеб «да, да» деявермоқ; «ҳа, ҳа» деб тасдиқламоқ, маъқулламоқ.

ДАКТИЛИ́ЧЕСКИЙ, -ая, -ое *лит.* дактилик; **~ разме́р** дактилик вазн.

ДАКТИЛОЛО́ГИЯ *ж* дактилология, бармоқ тили (карсоқовларнинг имо-ишораларига асосланган ўзаро тили).

ДАКТИЛОСКОПИ́ЧЕСКИ/Й, -ая, -ое дактилоскопияга оид; дактилоскопик; дактилоскопия...; **~е да́нные** дактилоскопик маълумотлар.

ДАКТИЛОСКОПИ́Я *ж* дактилоскопия (бармоқ излари ва уларга қараб кишиларнинг шахсини аниқлаш).

ДА́КТИЛЬ *м лит.* дактиль (урғу биринчи бўғинга тушадиган уч ҳижоли турок).

ДАЛА́Й-ЛА́МА далай-лама (Тибет ҳокими ва бош руҳонийси).

ДА́ЛЕЕ *нареч. то же, что* **да́льше; до села́ не ~ двух киломе́тров** қишлоққача ортиғи билан икки километр; ✦ **и так ~ (и т. д.)** ва ҳоказо; **не ~ как...** (или **не ~ чем...**) ортиғи (ёки узоғи) билан; **не ~ как вчера́** кечаги куни; куни кеча, кечагина; **«Са́го-Ма́ру» стоя́ла от нас не ~ чем в трёх ка́бельтовых** (Диковский) «Саго-Мару» биздан узоғи билан уч кабельтов нарироқда турар эди.

ДАЛЁК/ИЙ, -ая, -ое; да́льше 1 узоқ, йироқ, олис; узоқдаги, йироқдаги, олисдаги; **~ие го́ры** йироқ(даги) тоғлар; 2 узоқ ўтмишга (ёки келажакка) оид; узоқ ўтмишдаги (ёки келажакдаги); **~ое про́шлое** узоқ ўтмиш; **~ое бу́дущее** узоқ келажак; 3 узоққа чўзилган, узоқ, йироқ, олис; **~ий путь** узоқ йўл, олис йўл; 4 *перен.* ёт, бегона, бир-биридан узоқ; ўзаро алоқаси, муносабати йўқ; **мы с ним ~ие лю́ди** биз у билан бир-биримиздан узоқ кишилармиз, биз у билан мутлақо ётмиз; 5 *от чего* -дан узоқ; яқинига ҳам

www.ziyouz.com kutubxonasi

йўламаган; **я ~ от мы́сли е́хать туда́** у ерга бориш хаёлимда ҳам йўқ; **э́то далеко́ от и́стины** бу ҳақиқатдан узоқ; 6 *разг.* ақли узоққа етмайдиган, ақлли (зукко) эмас; **он челове́к не о́чень-то ~ий** у айтарли даражада ақлли одам эмас.

ДАЛЕКО́ *нареч.* 1 анча узоқда, олисда; **мы оста́вили их ~ позади́** биз уларни анча орқада қолдириб кетдик; 2 *в знач. сказ.* узоқ, йироқ, олис, ҳали анча бор; **до но́вого го́да ещё ~** янги йилга ҳали анча (вақт) бор; **отсю́да ~ до го́рода** бу ердан шаҳарга анча узоқ, бу ердан шаҳаргача анча (йўл) бор; **до до́ма ещё ~** уйга (етгунча) ҳали узоқ; уйгача ҳали анча (йўл) бор; ✦ **~ за** ...дан анча ўтган(да), етган(да); **~ за́ полночь** тун ярмидан анча ўтган (вақт, вақтда); **ему́ ~ за шестьдеся́т** у олтмишдан анча ошган; **~ до** ...га анча бор, узоқ; **мне ~ до него́** менинг унга етишимга (учдай бўлишимга) анча бор; **~ не...** ҳеч (сира)... эмас; **он ~ не глуп** у ҳеч (сира) ҳам аҳмоқ эмас; **~зайти́** ҳаддан ошмоқ (ҳаддан ортиқ иш, хатти-ҳаракат қилмоқ, гапирмоқ ва ҳ. к.); **~ пойти́** узоққа бормоқ, етмоқ, эришмоқ; **он ~ пойдёт** унинг истиқболи порлоқ; **~ не уйдёшь (или не уе́дешь)** *с чем или на чём* бу билан узоққа бора олмайсан.

ДАЛЕКО́ *нареч.* узоқ, йироқ; ✦ **прекра́сное ~** *книжн.* ғам-ташвишлардан йироқ тинч ҳаёт ҳақида.

ДАЛЬ *ж* 1 *разг.* узоқ жой, олис; **така́я ~!** бунча узоқ (жой экан)!; **не пойду́ в таку́ю ~** бундай узоқ жойга (асло) бормайман; 2 бепоён йироқлик, поёни, чеки йўқ, чексиз кенглик, узоқ-узоқларга чўзилган жойлар; **голуба́я ~ мо́ря** узоқ-узоқларга чўзилган мовий денгиз; **~ поле́й** узоқ-узоқларга чўзилган далалар, чексиз кенг далалар; **родны́е да́ли** чексиз қадрдон далалар.

ДАЛЬНЕ́ЙШ/ИЙ, -ая, -ее кейинги, кейин келадиган. бўладиган, узоқ келажакдаги; **ждать ~их распоряже́ний** кейинги буйруқларни кутмоқ; **отказа́ться от ~ их перегово́ров** музокараларни давом эттиришдан воз кечмоқ; ✦ **в ~ем** 1) бундан буён, бундан (шундан) кейин; 2) қуйида.

ДАЛЬН/ИЙ, -яя, -ее 1 узоқ, йироқ, олис; узоқдаги, йироқдаги, олисдаги; **~ие стра́ны** йироқ(даги) мамлакатлар; 2 энг нарида жойлашган, нариги; **~яя дере́вня** (энг) нариги қишлоқ; **~ий дом** (энг) нариги уй; 3 узоққа чўзилган, узоқ, йироқ, олис; **~яя доро́га** узоқ йўл; **капита́н ~ его пла́вания** узоққа қатнайдиган кема капитани; **по́езд ~ его сле́дования** узоққа қатнайдиган поезд; **артилле́рия ~его де́йствия** узоққа отадиган артиллерия; 4 узоқ, чатишган; **~ий ро́дственник** узоқ қариндош, чатишган қариндош; **~ее пла́вание** узоқ сафар (сувда, кемада); ✦ **без ~их слов (или разгово́ров)** ортиқча сўз қилмасдан, гапни чўзмасдан.

ДАЛЬНОБО́ЙНОСТЬ *ж* узоққа отишлик, узоққа ота олиш қобилияти; **~ ору́дия** тўпнинг қанчалик узоққа ота олиши.

ДАЛЬНОБО́ЙН/ЫЙ, -ая, -ое узоққа отадиган; **~ое ору́дие** узоққа отадиган тўп; **~ая артилле́рия** узоққа отадиган артиллерия.

ДАЛЬНОВИ́ДНОСТЬ *ж* узоқни кўра билиш, узоқни ўйлаб, кўзлаб иш тутиш.

ДАЛЬНОВИ́ДНЫЙ, ая, -ое; -ден, -дна узоқни кўра биладиган, узоқни ўйлаб (кўзлаб) иш тутадиган, мулоҳазали; **~ челове́к** узоқни кўрадиган (узоқни ўйлаб иш тутадиган) одам.

ДАЛЬНОЗО́РКИ/Й, -ая, -ое: -рок, -рка 1 узоқни (узоқдаги нарсаларни) кўрадиган, кўзи ўткир; 2 яқиндаги нарсалардан кўра узоқдаги нарсаларни яхшироқ, аниқроқ кўрадиган; **очки́ для ~х** узоқдаги нарсаларни яхшироқ кўрадиган одамлар кўзойнаги.

ДАЛЬНОЗО́РКОСТЬ *ж* 1 узоқни (узоқдаги нарсаларни) кўриш; кўзи ўткирлик; 2 яқиндаги нарсалардан кўра узоқдаги нарсаларни яхшироқ, аниқроқ кўриш, қарияларга хос кўзи ўткирлик.

ДАЛЬНОМЕ́Р *м* дальномер масофа ўлчагич; **акусти́ческий ~** акустик дальномер; **опти́ческий ~** оптик дальномер.

ДАЛЬНОСТЬ *ж* 1 узоқлик, йироқлик, олислик; **~ пути́** йўлнинг узоқлиги; 2 *спец.* масофа, узоқлик; **~ стрельбы́** отиш масофаси; **~ полёта снаря́да** снаряднинг узоққа кетиш масофаси; **~ полёта** узоққа уча олиш масофаси; **полёт на ~** узоққа учиш; **преде́льная ~** энг катта узоқлик.

ДАЛЬТОНИЗМ *м* дальтонизм (баъзи ранг-тусларни фарқ қила олмаслик касаллиги).

ДАЛЬТОНИК *м* дальтоник (баъзи ранг-тусларни фарқ қила олмайдиган одам).

ДАЛЬШЕ 1 *сравн. от* **далёкий** 1—3 и **далеко́** 1; **э́тот путь ~** бу йўл узоқроқ; 2 *нареч.* сўнгра, сўнг, кейин; **а что ~?** хўш, (ундан, бундан, шундан) кейинчи?; **что бы́ло ~?** ундан кейин нима бўлди?; **я пое́ду ~** мен яна нарироққа бораман; менинг етишимга (менга) ҳали (анча) бор; **~!** давом эттиринг!, давом этинг!; **пиши́те ~** у ёгини ёзинг, ёзаверинг, ёзишни давом эттиринг; ✦ **~ — бо́льше** борган сари кўп (ортиқроқ, кучлироқ); тобора кўпаяверади (ошаверади, кучаяверади); **~ (е́хать) не́куда** *прост.* бундан ҳам ёмон (расво) бўлиши мумкин эмас; бўлганча бўлди; **не ви́деть ~ (своего́) но́са** бурнидан нарини (узоқни) кўролмаслик.

ДАМ/А *ж* 1 *уст.* буржуа-дворян жамиятида: хотин, аёл; бону, хоним; **све́тская ~а** зодагон аёл; 2 хоним, бону (аёлларга мурожаат формаси); 3 дама (рақсда); **~ы и кавале́ры** дама ва кавалерлар; 4 мотка (қарта ўйинида); **пи́ковая ~а** қарғанинг моткаси; ✦ **~а се́рдца** *шутл.* кўнгил ҳуши, севгили аёл, маъшуқа; **кла́ссная ~а** синф мураббияси (революциядан илгариги мактабларда).

ДАМАСС́К/ИЙ, -ая, -ое: ~ая сталь шом (Дамашқ) пўлати; **~ий кинжа́л** шом (Дамашқ) ханжари.

ДАМБА *ж* дамба, кўтарма; **высо́кая ~** баланд дамба.

ДАМК/А *ж, р. мн.* **-мок** дамка; **пройти́ в ~и** 1) дамкага чиқмоқ; 2) *перен. разг.* муваффақият қозонмоқ; ✦ **быть в ~ах** ғолиб чиқмоқ, ғолиблар қаторига ўтмоқ.

ДАМО́КЛОВ: ~ меч *книжн.* доимий хавф-хатар, таҳлика; **быть (находи́ться) под ~ым мечо́м** доимо таҳлика остида бўлмоқ.

ДАМСК/ИЙ, -ая, -ое аёлларга хос бўлган, аёллар учун белгиланган; заифона; аёллар..., **~ая оде́жда** аёллар (хотин-қизлар) кийими; **~ая о́бувь** аёллар (хотин-қизлар) пойабзали, заифона пойабзал; **~ий портно́й** аёллар (кийимлари) тикувчиси; **~ий велосипе́д** аёллар (хотин-қизлар) велосипеди; **~ий зал (~ая ко́мната)** аёллар зали (хонаси).

ДАННИК *м ист.* хирож (ёки ўлпон, солиқ) тўловчи.

ДА́ННОСТЬ *ж книжн.* мавжуд нарса, бор нарса; борлиқ, мавжудот.

ДА́ННЫ/Е *мн., р.* **-ых** 1 маълумот, маълумотлар; **цифровы́е ~е** рақамлар билан берилган (ифодаланган) маълумотлар; рақамлар; **статисти́ческие ~е** статистик маълумотлар; **по официа́льным ~м** расмий маълумотларга кўра (қараганда); расмий маълумотларга асосан (мувофиқ); **~е разве́дки** разведка маълумотлари; 2 асос, далил; далиллар; **име́ть все ~е для получе́ния пре́мий** мукофот олиш учун барча асосларга эга бўлмоқ; 3 аломат, белги; аломатлар, белгилар; **он име́ет хоро́шие голосовы́е ~е** унинг яхши овози бор; унинг овози яхши.

ДА́НН/ЫЙ, -ая, -ое 1 *прич. от* **дать**; 2 *в знач. прил.* бу, шу, мана шу, ушбу; **~ая кни́га** бу китоб; **~ый вопро́с** бу масала; **в ~ый моме́нт** шу пайтда, ҳозирги пайтда; ҳозир(да); **в ~ое вре́мя** айни шу вақтда, ҳозирги вақтда; **в ~ом слу́чае** бу ҳолда; **при ~ых усло́виях** бу шароитда; ✦ **~ая (величина́)** *мат.* берилган катталик, маълум катталик.

ДАНСИНГ *м* кафе-ресторанларда: танца зали, рақсга тушиладиган зал.

ДАНТИ́СТ *м* 1 тишни даволовчи табиб, тиш табиби; 2 *прост.* муштумзўр, зўравон.

ДАНЬ *ж* 1 *ист.* солиқ, ўлпон, тўлов (енгилган, босиб олинган мамлакат аҳолисидан олинадиган солиқ); **взима́ть ~ *с кого-л.*** солиқ олмоқ; **облага́ть ~ю *кого-л.*** солиқ солмоқ; 2 *перен. чего книжн.* ҳурмат, қадр-қиммат; тақдирлаш; **принести́ ~ уваже́ния *кому-л.*** тегишлича ҳурмат қилмоқ, ҳурматини бажо келтирмоқ; ҳурматини жойига қўймоқ; 3 *перен. чему* тан бериш; бўйсуниш; **~ мо́де** модага бўйсуниш (эргашиш); **э́то была́ ~ тради́ции** бу традицияга бўйсуниш (амал қилиш, эргашиш) эди; ✦ **отда́ть (или запла́тить** и т. п.) **~** 1) *кому-чему* тан бермоқ, қойил қолмоқ; 2) *чему* бўйсунмоқ; **отда́ть ~ приро́де** *уст.* ўз таъбига (та-

www.ziyouz.com kutubxonasi

биатига) мувофиқ иш тутмоқ, таъби хоҳлаган ишни қилмоқ.

ДАР *м, мн.* **-ы́** 1 тортиқ, совға, ҳадя, туҳфа, инъом, армуғон; **принести́ в ~** *кому-л.* тортиқ қилмоқ, совға қилиб бермоқ; **~ы́ приро́ды** табиат инъомлари; 2 қобилият, истеъдод; **~ организа́тора** ташкилотчилик қобилияти; ✦ **~ сло́ва (или ре́чи)** 1) сўзлаш қобилияти; 2) сўзамоллик, нотиқлик; **лиши́ться ~а ре́чи** сўзлаш қобилиятини йўқотмоқ; тилдан қолмоқ; **~ красноре́чия** яхши гапириш, сўзга (гапга) усталик, чечанлик, сўзамоллик.

ДАРВИНИ́ЗМ *м* дарвинизм.

ДАРВИНИ́СТ *м* дарвинист, дарвинчи, дарвинизм тарафдори.

ДАРГИ́НЕЦ *м, р.* **-нца** даргин; *см.* **даргинцы.**

ДАРГИ́НКА *ж, р. мн.* **-нок** даргин аёл; *см.* **даргинцы.**

ДАРГИ́НСКИЙ, -ая, -ое даргинларга оид; даргин(лар)...; **~ язы́к** даргин тили.

ДАРГИ́НЦЫ *мн. (ед.* **даргинец** *м,* **даргинка** *ж)* даргинлар (Дағистон АССР халқларидан бири).

ДАРЕ́НИЕ *с книжн.* тортиқ қилиш; тортиқ (совға) қилиб бериш, армуғон этиш.

ДАРЁН/ЫЙ, -ая, -ое *разг.* тортиқ қилинган; тортиқ (совға) қилиб берилган, армуғон этилган; **~ая вещь** тортиқ қилинган нарса; тортиқ; **~ому коню́ в зубы́ не смо́трят** *погов. (л. м.* совға қилинган отнинг тишига қарамайдилар) узумини е, богини суриштирма.

ДАРИ́ТЕЛЬ *м* 1 тортиқ қилувчи киши; тортиқ (совға) қилган (берган) киши; 2 *юр.* ҳадячи (ўз нарсасини расмий йўл билан кимсага ҳадя тариқасида ўтказувчи ёки ўтказган шахс).

ДАРИ́ТЕЛЬНИЦА *ж см.* **дари́тель.**

ДАРИ́ТЬ, дарю́, да́ришь *несов. (сов.* **подари́ть)** 1 *кому-чему кого-что* тортиқ қилмоқ; тортиқ (совға) қилиб бермоқ, армуғон этмоқ; **~ кни́гу** китоб совға қилмоқ; китобни совға қилиб бермоқ; 2 *перен. кого чем* сазовор қилмоқ, лутфан бахш этмоқ, бағишламоқ; **~ внима́нием** *кого-л.* кимсага илтифот қилмоқ, эътибор бериб қарамоқ; **~ улы́бкой** кулиб боқмоқ.

ДАРМОВЩИ́НА *ж то же, что* **даровщи́нка.**

ДАРМОЕ́Д *м разг.* текинхўр, балохўр, текинтомоқ, харомхўр, молимардумхўр.

ДАРМОЕ́ДКА *ж, р. мн.* **-док** *см.* **дармое́д.**

ДАРМОЕ́ДНИЧАТЬ *несов. разг.* текинхўрлик билан кун кўрмоқ, бировнинг ҳисобига яшамоқ.

ДАРМОЕ́ДСТВО *с разг.* текинхўрлик, балохўрлик, харомхўрлик, бировнинг ҳисобига яшаш.

ДАРОВА́НИЕ *с* 1 *по гл.* **дарова́ть;** 2 қобилият, истеъдод, талант; **приро́дное ~** табиий истеъдод, туғма талант; **музыка́льное ~** мусиқий талант.

ДАРОВА́ТЬ, -ру́ю, -ру́ешь *сов.* и *несов. что кому уст. высок.* тортиқ қилмоқ бермоқ, бахш этмоқ, бағишламоқ; ✦ **~ свобо́ду** озодлик бермоқ; озодликка чиқармоқ; **~ жизнь** афв этмоқ, кечирмоқ; бировнинг жонини сақлаб қолмоқ, ўлимдан қутқармоқ.

ДАРОВИ́ТОСТЬ *ж* қобилиятлилик, истеъдодлилик, талантлилик, истеъдодга, талантга эгалик.

ДАРОВИ́ТЫЙ, -ая, -ое қобилиятли, истеъдодли, талантли; **~ ребёнок** истеъдодли бола.

ДАРОВ/О́Й, -а́я, -о́е *разг.* текин, бепул; бекорга келган (берилган, олинган); **~о́й обе́д** текин обед; **~а́я эне́ргия** текин энергия (сув, шамол ва ҳ. к. энергияси).

ДАРОВЩИ́НК/А *ж:* **на ~у** *прост.* бемеҳнат, текин, бепул; бировнинг ҳисобига; **угости́ться на ~у** бировнинг ҳисобига овқатланмоқ.

ДА́РОМ *нареч.* 1 текинга, бепул, бекорга; **получи́ть ~** текинга олмоқ; 2 бекор, беҳуда, бефойда; **весь день пропа́л ~** бутун кун бекор кетди; **~ теря́ть вре́мя** вақтни бекор (бефойда) кетказмоқ; ✦ **~ не пройдёт** *что кому* бу шундоқ ўтиб (қолиб, унутилиб) кетмайди (яъни, бунинг оқибати яхши бўлмайди, жазоси бор); **э́то тебе́ ~ не пройдёт** хаф сенимн!, қараб тур ҳали сен!; **~ что** *прост.* қарамасдан; бўлса-да; **~ что молодо́й, а разу́мный ёш бўлса-да, ақли бор.**

ДАРСТВЕНН/ЫЙ, -ая, -ое *юр.* ҳадя қилиш, ҳадя қилиш билан боғлиқ бўлган; ҳадя...; **~ая за́пись** ҳадя қил(ин)ганлик ҳақидаги ёзув, ҳадя акти; ҳадянома.

ДАТ/А *ж* 1 ой-кун, сана, тарих; **~а рожде́ния** туғилган кун; **истори́ческая ~а** тарихий сана, тарихий кун; **знамена́тельная ~а** муҳим аҳамиятга эга бўлган сана (кун); 2 бирор хат, ҳужжат ва ҳ. к. ёзилган кун, сана; **поста́вить ~у на докуме́нте** ҳужжатга сана (ой, кун, йилни) ёзиб қўймоқ; **письмо́ без ~ы** санаси кўрсатилмаган (ёзилмаган) хат.

ДА́ТЕЛЬНЫЙ: ~ паде́ж *грам.* жўналиш келишиги.

ДАТИ́РОВАННЫЙ, -ая, -ое 1 *прич. от* **дати́ровать;** 2 *в знач. прил.* санаси ёзилган (кўрсатилган); санаси бор (маълум); **~ докуме́нт** санаси ёзилган (маълум) ҳужжат.

ДАТИ́РОВАТЬ *сов.* и *несов. что* 1 санасини ёзмоқ (қўймоқ, кўрсатмоқ); **~ спра́вку сего́дняшним число́м** справкага бугунги санани қўймоқ; 2 санасини, тарихини белгиламоқ, аниқламоқ; **~ собы́тие** воқеанинг санасини (қачон бўлганлигини) аниқламоқ; **~ нахо́дку** топилманинг қайси вақтга ондлигини аниқламоқ; **~ ру́копись деся́тым ве́ком** қўл ёзмани ўнинчи асрга оид деб топмоқ.

ДА́ТСКИЙ, -ая, -ое Данияга ва данияликларга оид; Дания..., данияликлар...; **~ язы́к** данияликлар тили; **~ дог** Дания доги (ити).

ДАТЧА́НЕ *мн. (ед.* **датча́нин** *м* **датча́нка** *ж)* данияликлар (Данияннинг асосий аҳолисини ташкил этган халқ).

ДАТЧА́НИН *м* даниялик; *см.* **датча́не.**

ДАТЧА́НКА *ж, р. мн.* **-нок** даниялик аёл; *см.* **датча́не.**

ДА́ТЧИК *м спец.* датчик (қабул қилувчи ва узатувчи қурилма); **~ и́мпульсов** импульслар датчиги.

ДАТЬ, дам, дашь, даст, дади́м, дади́те, даду́т; дал, дала́, да́ло и дало́, да́ли (не́ дал и не дал, не дала́, не́ дало, не́ дали); да́й(те) *сов. (несов.* **дава́ть)** 1 *кого-что кому-чему* бермоқ, топширмоқ; **~ де́ньги** пул бермоқ; **~ лека́рство** дори бермоқ; **~ свой а́дрес** ўз адресини бермоқ; 2 сазовор этмоқ; тақдирламоқ; **~ зва́ние** унвон бермоқ; **~ о́рден** орден бермоқ, орден билан мукофотламоқ; 3 *что* или *с неопр. кому-чему* бермоқ, йўл қўймоқ, имкон туғдирмоқ, рухсат этмоқ; **~ рабо́ту** иш бермоқ, иш билан таъминламоқ; **~ ме́сто** ўрин бермоқ; жой бермоқ; **~ возмо́жность рабо́тать** ишлаш учун имкон бермоқ; **да́йте, я попыта́юсь** рухсат этинг, мен бир уриниб кўрайин; 4 *что* бермоқ, келтирмоқ; **~ дохо́д** даромад бермоқ; даромад келтирмоқ; **земля́ дала́ бога́тый урожа́й** ер яхши ҳосил берди; 5 *что кому* и *без доп.* бермоқ, ташкил этмоқ, уюштирмоқ; **~ обе́д в честь высо́кого го́стя** мўътабар меҳмон шарафига зиёфат бермоқ; **~ конце́рт** концерт бермоқ; 6 *что кому-чему* ёпишни белгиламоқ; **ему́ не дашь пяти́десяти лет** уни элликка кирган деб бўлмайди, у элликдан ёш кўринади; 7 баъзи отлар билан бирга келиб, уларда ифодаланган иш-ҳаракат ёки ҳолатни англатади; **~ согла́сие** розилик бермоқ, рози бўлмоқ; **~ прика́з** буйруқ бермоқ, буюрмоқ; **~ течь** тешилмоқ; **~ тре́щину** ёрилмоқ, дарз кетмоқ **~ сове́т** маслаҳат бермоқ; **~ телегра́мму** телеграмма бермоқ; **~ сраже́ние** жанг қилмоқ; **~ нача́ло** *чему-л.* бошлаб бермоқ; асос солмоқ; 8 *что, чего, кому* или *кому по чему прост.* урмоқ, солмоқ, туширмоқ; **~ по́ уху** қулоғининг тагига солмоқ; **~ пощёчину** тарсаки туширмоқ; 9 *пов.* **дай(те)** *в знач. частицы* қани; **дай, ду́маю, схожу́ к нему́ домо́й** қани бир уйига бориб кўрайчи дедим; ✦ **~ знать** *о чём* билдирмоқ, билдириб қўймоқ, хабар бермоқ, хабардор қилмоқ; шипшитмоқ; **~ себя́ (о себе́) знать** ўзини (ўзини нима, ким эканлигини) билдириб қўймоқ (сездирмоқ, билинмоқ); **ра́на всё ещё даёт о себе́ знать** яра ҳали ҳам сезилиб (билиниб) турибди; ҳали ҳам яранинг асари (асорати) бор; **не ~ себя́ в оби́ду** ҳақини кетказмаслик; **~ во́лю** *кому-чему* эрк бермоқ, эркинлик бермоқ, эркига қўйиб бермоқ; **~ во́лю чу́вствам** ҳиссиётларга эрк бермоқ; **~ во́лю рука́м** қўлларига эрк бермоқ; қўлни тия олмаслик; **~ представле́ние (поня́тие)** *о чём* тасаввур ҳосил қилмоқ, тушунча бермоқ; **~ себе́ труд сде́лать** *что* ўзини (жонини) қийнатмоқ; ўзини уринтирмоқ; уринмоқ, овора бўлмоқ; **ни ~ ни взять** худди ўзи, ўзгинаси; қуйиб қўйгандай ўхшаш; бир туки ўзга эмас; **~ показа́ния** гувоҳлик бермоқ; сўроқ бермоқ; **~ по́вод** баҳона топиб бермоқ; баҳона бўлмоқ; **~ отчёт** ҳисоб бермоқ;

www.ziyouz.com kutubxonasi

қилаётган ишини, хатти-ҳаракатини ўзи тушунмоқ; ~ сло́во 1) сўз бермоқ (сўзга чиқиш, сўзлаш учун); 2) сўз бермоқ, ваъда бермоқ, ваъда қилмоқ; ~ поня́ть (киноя, имо, ишора ва ҳ. к. билан) сездирмоқ, билдирмоқ, тушунтириб қўймоқ; ~ кля́тву онт ичмоқ, қасамёд қилмоқ; не вся́кому дано́ ҳар кимга ҳам муяссар бўлавермайди; ~ на ла́пу *см.* ла́па.

ДА́ТЬСЯ, да́мся, да́шься, да́стся, дади́мся, дади́тесь, даду́тся; да́лся и дался́, дала́сь *сов. разг.* 1 (*несов.* дава́ться) бўш келмоқ, берилмоқ; тутқич бермоқ; он не да́стся в обма́н уни алдаб бўлмайди, уни алдаш қийин; у алданмайди; 2 (*несов.* дава́ться) *кому* қўлга кирмоқ, эгалланмоқ, ўзлашмоқ; перехо́д че́рез э́тот перева́л да́лся нам нелегко́ бу довондан осонлик билан ўтмадик; бу довондан ошишимиз анча қийин бўлди; францу́зский язы́к ему́ да́лся легко́ француз тилини у осонгина ўрганди (эгаллади); 3 *кому* зарур келмоқ, зарур, керак бўлмоқ; дала́сь тебе́ э́та кни́жка! бу китобнинг сенга нима кераги бор; бу китобни бошингга урасанми; бу китобни ўқиш сенга зарур келиб қолдими.

ДА́ЧА I *ж* 1 *по гл.* дать; ~а ко́рма скоту́ молга ем-хашак бериш; ~а показа́ний гувоҳлик бериш, сўроқ бериш; 2 бир ейишлик (беришлик) ем-хашак; две ~и овса́ икки ейишлик сули.

ДА́ЧА II *ж* дача (шаҳар ташқарисидаги ҳовли-жой); жить ле́том на ~е ёзда дачада турмоқ; снять ~у ижарага дача олмоқ; е́хать на ~у дачага (боғ-ҳовлига) бормоқ.

ДА́ЧА III *ж спец.* ўрмон участкаси.

ДА́ЧЕВЛАДЕ́ЛЕЦ *м, р.* -льца дача эгаси.

ДА́ЧЕВЛАДЕ́ЛИЦА *ж см.* дачевладе́лец.

ДА́ЧНИК *м* дачада турувчи (яшовчи, истиқомат қилувчи) одам.

ДА́ЧНИЦА *ж см.* да́чник.

ДА́ЧН/ЫЙ, -ая, -ое да́ча II га оид; дача...; ~ая ме́стность дачалар жойлашган жой; ~ый по́езд дачага (яъни шаҳар атрофига) қатнайдиган поезд.

ДАШНА́КИ *мн. (ед.* дашна́к *м)* дашноқлар (арман миллий-буржуа контрреволюцион партияси аъзолари).

ДАЯ́НИЕ *с уст.* ҳадя, хайр-эҳсон, садақа; доброхо́тное ~ ихтиёрий хайр-эҳсон.

ДВА *м* и *с*, две *ж, р.* двух, *дат.* двум, *твор.* двумя́, *предл.* о двух *числ. колич.* икки, иккита; ~ челове́ка икки (та) одам; ~ милли́она икки миллион; по ~ иккитадан; ~ с полови́ной икки ярим, икки яримта; рома́н в двух часта́х икки қисмдан иборат роман; две кни́ги иккита китоб; ✦ в ~ счёта *прост.* дарров, бирпасда; осонгина; в двух шага́х отсю́да бу ердан икки қадам нарида; жуда яқин; в двух слова́х икки оғиз сўз билан; қисқа, лўнда; рассказа́ть в двух слова́х қисқа (лўнда) қилиб айтиб бермоқ; ни ~ ни полтора́ *разг.* у ёқлик ҳам эмас, бу ёқлик ҳам эмас; ноаниқ; икки жаҳон ораси.

ДВАДЦАТИКОПЕ́ЕЧН/ЫЙ, -ая, -ое йигирма тийинлик; йигирма тийин турадиган; ~ая моне́та йигирма тийинлик (танга).

ДВАДЦАТИЛЕ́ТИЕ *с* 1 йигирма йиллик вақт, муддат; йигирма йил; 2 *чего* йигирма йиллик (маросим); ~ институ́та институтнинг йигирма йиллиги.

ДВАДЦАТИЛЕ́ТН/ИЙ, -яя, -ее 1 йигирма йил давом этган, йигирма йиллик; ~яя дру́жба йигирма йиллик дўстлик; ~ий юбиле́й йигирма йиллик юбилей; 2 йигирма яшар; йигирма ёш(ли), йигирма ёшдаги.

ДВАДЦАТИПЯТИЛЕ́ТИЕ *с* 1 йигирма беш йиллик вақт, муддат; йигирма беш йил; 2 йигирма беш йиллик (маросим); отмеча́ть *чьё-л.* ~ йигирма беш йиллигини нишонламоқ.

ДВАДЦАТИПЯТИЛЕ́ТН/ИЙ, -яя, -ее 1 йигирма беш йил давом этган, йигирма беш йиллик; ~яя слу́жба йигирма беш йиллик хизмат; ~ий срок йигирма беш йиллик вақт, муддат; 2 йигирма беш яшар, йигирма беш ёш(ли), йигирма беш ёшдаги.

ДВАДЦАТИПЯТИРУБЛЁВЫЙ, -ая, -ое йигирма беш сўмлик; йигирма беш сўм турадиган.

ДВАДЦА́Т/ЫЙ, -ая, -ое *числ. порядк.* йигирманчи, йигирма номерли; ~ый но́мер йигирманчи номер; ~ые го́ды йигирманчи йиллар; ~ое а́вгуста йигирманчи август; ~ого а́вгуста йигирманчи августда.

ДВАДЦА́ТЬ *числ. колич.* йигирма, йигирмата; ~ листо́в бума́ги йигирма варақ қоғоз; ему́ испо́лнилось ~ лет у йигирма ёшга тўлди; ~ раз йигирма марта.

ДВА́ЖДЫ *нареч.* икки марта, икки карра, икки бор; икки қайта; я был там ~ мен у ерда икки марта бўлдим (бўлганман); ~ Геро́й Сове́тского Сою́за икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони; ✦ как ~ два (*л. м.*— икки карра иккидай) беш панжадай; аниқ-равшан.

ДВЕ *см.* два.

ДВЕНАДЦАТИЛЕ́ТН/ИЙ, -яя, -ее 1 ўн икки йил давом этган (этадиган); ўн икки йилга мўлжалланган; ўн икки йиллик; ~ий стаж ўн икки йиллик стаж; ~ий срок ўн икки йиллик вақт, муддат; 2 ўн икки яшар; ўн икки ёш(ли), ўн икки ёшдаги; ~яя де́вочка ўн икки яшар қиз.

ДВЕНАДЦАТИПЕ́РСТН/ЫЙ: ~ая кишка́ ўн икки бармоқ ичак.

ДВЕНАДЦАТИЧАСО́В/ОЙ, -а́я, -о́е 1 ўн икки соат давом этган (этадиган); ўн икки соатли; 2 соат ўн иккида келадиган (ёки кетадиган), соат ўн иккидаги; вы́ехать ~ы́м по́ездом ўн иккидаги поезд билан жўнамоқ.

ДВЕНАДЦА́Т/ЫЙ, -ая, -ое *числ. порядк.* ўн иккинчи, ўн иккинчи номерли; ~ый но́мер ўн иккинчи номер; ~ое ма́я ўн иккинчи май; ~ого ма́я ўн иккинчи майда.

ДВЕНАДЦАТЬ *числ. колич.* ўн икки; ўн иккита; гру́ппа в ~ челове́к ўн икки кишили группа; ~ ты́сяч ўн икки минг.

ДВЕ́РКА *ж, р. мн.* -рок 1 *уменьш. от* дверь; 2 кичкина эшик, эшикча; ~ пе́чи печь эшикчаси.

ДВЕРН/О́Й, -а́я, -о́е эшикка оид; эшик...; ~а́я ру́чка эшик тутқаси (тутқичи); ~о́й замо́к эшик қулфи.

ДВЕ́РЦ/А *ж, р. мн.* -рец 1 *уменьш. от* дверь; 2 кичкина эшик, эшикча; эшик; печна́я ~а печь эшикчаси; ~ы автомоби́ля автомобиль эшиклари.

ДВЕР/Ь *ж, мн.* две́ри, *р.* -е́й, *твор.* -я́ми и -рьми́ эшик; дубо́вая ~ь дуб эшик; входна́я ~ь кираверишдаги эшик; йўлак эшиги; стоя́ть в ~я́х (у ~е́й) эшик олдида турмоқ; прорубить ~ь эшик очмоқ; ✦ломи́ться в откры́тую ~ь очиқ эшикни очишга уринмоқ, ҳаммага маълум нарсани исботлашга ҳаракат қилмоқ; показа́ть *кому* на ~ь (*л. м.* эшикни кўрсатмоқ) кавшини тўғрилаб қўймоқ; день откры́тых ~е́й очиқ эшиклар куни (абитуриентларни ўқув юрти билан таништириш учун ташкил этилган очиқ кун); поли́тика откры́тых ~е́й очиқ эшик сиёсати (ҳамма чет мамлакатлар учун эркин савдо қилиш сиёсати); при закры́тых ~я́х ёпиқ, яширин; при откры́тых ~я́х очиқ, ошкор; откры́ть ~ь *кому* эшикларни очиб бермоқ, бемалол киритмоқ, қабул қилмоқ; закро́йте ~ь с той стороны́ *разг. шутл. (л. м.* эшикни ташқаридан бекитиб кетинг) бу ерга бошқа қадам босманг, башарангизни кўрсатманг; ~ь в ~ь эшиклари рўбарў.

ДВЕ́СТИ, *р.* двухсо́т, *дат.* двумста́м, *твор.* двумяста́ми, *предл.* о двухста́х *числ. колич.* икки юз; икки юзта; ~ рубле́й икки юз сўм; гру́ппа в ~ челове́к икки юз кишили группа; в двухста́х ме́трах отсю́да бу ердан икки юз метр нарида.

ДВИ́ГАТЕЛЬ *м* 1 двигатель; мотор; ~ вну́треннего сгора́ния ички ёнув двигатели; реакти́вный ~ реактив двигатель; 2 *перен. чего высок.* ҳаракатга солувчи (келтирувчи) куч; олға бостирувчи омил; ҳаракатлантиргич; ~ прогре́сса прогрессни олға бостирувчи куч, омил.

ДВИГАТЕЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое ҳаракатга солувчи (келтирувчи); ҳаракатлантирувчи; ~е не́рвы ҳаракатлантирувчи нервлар.

ДВИ́ГАТЬ, -аю, -аешь и дви́жу, дви́жешь *несов.* 1 (*сов.* дви́нуть) *кого-что* сурмоқ, силжитмоқ; жилдирмоқ, қўзғатмоқ; ~ столы́ столларни сурмоқ; 2 (*сов.* дви́нуть) *кого-что* ҳаракатга солмоқ (келтирмоқ), сурмоқ, тортмоқ; ~ войска́ на неприя́теля душман устига аскар сурмоқ (қўшин солмоқ); 3 (*сов.* дви́нуть) *чем* қимирлатмоқ, ўйнатмоқ; қоқмоқ; ~ па́льцами бармоқларни қимирлатмоқ; ~ плеча́ми елка(лар)ни қоқмоқ; 4 *что* юргизмоқ, ҳаракатга келтирмоқ; ишга солмоқ; пружи́на дви́жет часово́й меха́ни́зм пружина соат механизмини ҳаракатга келтиради;

www.ziyouz.com kutubxonasi

соат механизми пружина кучи билан ишлайди; 5 *перен. кем высок.* сабаб (боис, сабабкор) бўлмоқ; бирор ишга бошламоқ; **им дви́жет чу́вство жа́лости** у раҳмдиллигидан (ачинганидан) шундай қиляпти; 6 *(сов.* **дви́нуть***) перен. что высок.* ривожлантирмоқ, юксалтирмоқ, тараққий эттирмоқ, олға бостирмоқ; ~ **нау́ку** фанни ривожлантирмоқ; 7 *(сов.* **дви́нуть***) прост.* юрмоқ, жўнамоқ; ~ **вперёд** олға юрмоқ.

ДВИ́ГАТЬСЯ, -аюсь, -аешься и **дви́жусь, дви́жешься** *несов. (сов.* **дви́нуться***)* 1 ҳаракатланмоқ, юрмоқ, ҳаракат қилмоқ; сурилмоқ, жилмоқ, қўзғалмоқ; **стре́лка дви́жется по цифербла́ту** стрелка циферблат бўйлаб юради; **Земля́ дви́жется вокру́г Со́лнца** Ер Қуёш атрофида айланади; ~ **вперёд** олға юрмоқ, олға қараб ҳаракат қилмоқ; олға босмоқ; ~ **по доро́ге** йўлдан бормоқ; 2 қимирламоқ; ўйнамоқ; **лежа́ть, не дви́гаясь** қимирламай ётмоқ; 3 *разг.* йўлга чиқмоқ, йўлга тушмоқ, жўнамоқ; **пора́** ~ йўлга чиқиш (жўнаш) вақти келди (бўлди); ~ **в путь** йўлга чиқмоқ (тушмоқ); жўнамоқ; 4 *страд. от* **дви́гать** 1, 4, 6; ✦ ~ **в го́ру** ўсмоқ, олға босмоқ, равнақ топмоқ; ~ **по слу́жбе** юборилмоқ, кўтарилмоқ, ўсмоқ, мартабаси ошиб бормоқ.

ДВИЖЕ́НЕЦ *м, р.* **-нца** *разг.* транспортчи, транспорт ходими.

ДВИЖЕ́НИ/Е *с* 1 *филос.* ҳаракат; **зако́ны ~я мате́рии** материянинг ҳаракат қонунлари; 2 ҳаракат; юриш; **враща́тельное ~е** айланма ҳаракат; **находи́ться в ~и** ҳаракатда бўлмоқ, юриб турмоқ; **приходи́ть в ~е** ҳаракатга келмоқ; юриб кетмоқ; **привести́ в ~е** ҳаракатга келтирмоқ; юргизиб юбормоқ; 3 ҳаракат, қимирлаш; ўйнаш; **~е руки́** қўлларнинг ҳаракати, қимирлаши; **без ~я** ҳаракатсиз; тек, жим, қимирламасдан; **лежа́ть без ~я** қимирламай (қимир этмай) ётмоқ; 4 ҳаракат, юриш, қатнов; **автомоби́льное ~е** автомобиллар ҳаракати (қатнови); **пра́вила у́личного ~я** кўча ҳаракати қоидалари; 5 *перен.* ижтимоий фаолият; ҳаракат; **революцио́нное ~е** революцион ҳаракат; **рабо́чее ~е** ишчилар ҳаракати; **национа́льно-освободи́тельное ~е** миллий-озодлик ҳаракати; **~е нова́торов произво́дства** ишлаб чиқариш новаторлари ҳаракати; 6 ҳаракат, ўзгариш; ривожланиш; тараққиёт; **поступа́тельное ~е исто́рии** илгарилаб борувчи тарихий тараққиёт; **~е цен** *эк.* нархларнинг ўзгариб туриши, ўзгаришлари; 7 *перен.* ҳис-туйғуларнинг, кайфият-ҳолатнинг ўзгаришлари, ҳуружи; **душе́вное ~е** ички ҳаяжон, изтироб; ✦ **слу́жба ~я** *ж.-д.* ҳаракат бошқармаси (поездлар ҳаракатини идора қилувчи бошқарма).

ДВИ́ЖИМОСТЬ *ж* (кўчириб бўладиган) мол-мулк, мол-дунё.

ДВИ́ЖИМ/ЫЙ, -ая, -ое 1 *прич. от* **дви́гать** *чем высок.* бирор мақсадга (ёки ҳис-туйғу ва ҳ. к. га) берилиб; боисдан, сабабли, туфайли; **~ым чу́вством сострада́ния** раҳмдиллик орқасида, раҳмдиллик туфайли; 2 *в знач. прил.* кўчириб бўладиган; **~ое иму́щество** (кўчириб бўладиган) мол-мулк, мол-дунё.

ДВИ́ЖИТЕЛЬ *м спец.* ҳаракатлантиргич; ~ **гу́сениц** гусеницалар ҳаракатлантиргичи.

ДВИЖО́К *м, р.* **-жка́** 1 сурилгич; югурдак; ~ **логари́фми́ческой лине́йки** логарифмик линейка сурилгичи; 2 *разг.* движок (кўчма электр станция).

ДВИ́ЖУЩИ/Й, -ая, -ее 1 *прич. от* **дви́гать**; 2 *в знач. прил.* ҳаракатлантирувчи, ҳаракатга келтирувчи; **~е силы́ революции** революциянинг ҳаракатлантирувчи кучлари; **~е си́лы сове́тского о́бщества** совет жамиятининг ҳаракатлантирувчи кучлари.

ДВИ́НУТЬ *сов. кого-что* 1 *см.* **дви́гать** 1—3, 6, 7; ~ **столы́** столларни сурмоқ; 2 *чем* қимирлатмоқ, қимирлатиб қўймоқ; ~ **руко́й** қўлни қимирлатмоқ; 3 *прост.* туширмоқ, солмоқ, урмоқ; ~ *кого-л.* **по́ уху** қулоғининг тагига солмоқ (туширмоқ); ✦ ~ **па́льцем** *то же, что* **шевельну́ть па́льцем** *см.* **па́лец**; **он и па́льцем не дви́нул, чтобы помо́чь** у ёрдам бера қолай деб, лоақал қўлини ҳам қимирлатмади; у ёрдам беришни ўйламади ҳам (хаёлига ҳам келтирмади).

ДВИ́НУТЬСЯ *сов. см.* **дви́гаться.**

ДВОЕ, *р.* **двои́х** *числ. собир.* икки, иккита; ~ **бра́тьев** икки ака-ука; ~ **дете́й** икки(та) бола; икки(та) фарзанд; **нас бы́ло** ~ биз икки киши эдик; ~ **су́ток** икки сутка; **работать за двои́х** икки киши учун ишламоқ; икки кишининг ишини қилмоқ; **стоя́ть по́** ~ иккитадан бўлиб турмоқ; ~ **сане́й** икки(та) чана; ~ **но́жниц** иккита қайчи; ✦ **на своих (на) двои́х** *прост. шутл.* ўз оёғи (оёқлари) билан, пиёда, яёв.

ДВОЕБО́РЕЦ *м, р.* **-рца** *спорт.* иккикурашчи.

ДВОЕБО́РЬЕ *с спорт.* иккикураш (спортнинг икки гурини ўз ичига олган мусобақа).

ДВОЕБРА́ЧИЕ *с* икки хотинлилик (ёки икки эрлилик).

ДВОЕВЛА́СТИЕ *с* қўшҳокимиятчилик.

ДВОЕДУ́ШИЕ *с* иккиюзламачилик, мунофиқлик, риёкорлик.

ДВОЕДУ́ШНЫЙ, -ая, -ое; -шен, -шна иккиюзлама, мунофиқ, риёкор.

ДВОЕЖЁНЕЦ *м, р.* **-нца** икки хотинли киши.

ДВОЕЖЁНСТВО *с* икки хотинлилик, иккита хотин олиш; иккита хотин билан яшаш.

ДВОЕТО́ЧИЕ *с грам.* икки нуқта, қўш нуқта, устма-уст нуқта.

ДВОЕ́ЧНИК *м разг.* иккичи (доим икки оладиган ўқувчи).

ДВОЕ́ЧНИЦА *ж разг. см.* **двоечник.**

ДВОЙТЬ *несов. что* 1 иккиламоқ; иккига бўлмоқ, ажратмоқ; 2 *(сов.* **вздвойть***) с.-х.* икки марта ҳайдамоқ (ерни); ~ **по́ле** ерни икки марта ҳайдамоқ.

ДВОЙТ/ЬСЯ *несов.* 1 иккиланмоқ; иккига бўлинмоқ, ажралмоқ; 2 иккиланмоқ, иккита бўлиб кўринмоқ; ✦ **в глаза́х ~ся** кўзимга (ҳамма нарса) иккита бўлиб кўринянти.

ДВОЙК/А *ж, р. мн.* **дво́ек** 1 икки рақамли, икки; 2 икки баҳо; икки; **получи́ть ~у** икки (баҳо) олмоқ; 3 иккилик; иккиталик; ~**а пик** қарғанинг иккилиги; 4 *разг.* икки номерли; иккинчи; **е́хать на ~е** иккинчида (иккинчи номерли трамвай ва ш. к. да) бормоқ; 5 *спорт.* икки эшкакли қайиқ.

ДВОЙНИК *м, р.* **-а́** 1 *чей, кого* ўхшаш (иккита бирбирига ўхшаган одамларнинг ҳар бири); **мой ~** менинг ўхшашим; 2 иккиланган (қўш) нарса.

ДВОЙН/ОЙ, -а́я, -о́е 1 иккиланган, икки марта (баравар) ортиқ бўлган; икки марта кўп; икки ҳисса; **уплати́ть в ~о́м разме́ре** икки ҳисса (қилиб) тўламоқ; **~о́й расхо́д** икки марта кўп харажат, икки баравар ортиқ чиқим; **~а́я по́рция** иккиланган порция; икки порция; 2 икки қават(ли), қўш, қўшалоқ; **чемода́н с ~ы́м дном** қўш тубли чамадон; **~ы́е ра́мы** қўш ром; **~о́е сукно́** икки эн(ли) сукно; ✦ **~а́я игра́** икки ёққа баравар (мунофиқона) йўл тутиш; гоҳ у ёққа, гоҳ бу ёққа оғиш; (хизмат қилиш); иккиюзламачилик.

ДВО́ЙНЯ *ж, р. мн.* **-о́ен** эгизак (болалар).

ДВОЙНЯ́ШКИ *мн., р.* **-шек** *(ед.* **двойня́шка** *ж) то же, что* **близнецы** 1.

ДВОЙСТВЕННОСТЬ *ж* икки тарафламалик; иккиюзламачилик; мунофиқлик; гоҳ у ёққа, гоҳ бу ёққа оғиш; (хизмат қилиш); иккиланиш.

ДВОЙСТВЕНН/ЫЙ, -ая, -ое 1 икки хил (ва кўпинча қарама-қарши); **испы́тывать ~ое чу́вство** *к кому-чему-л.* кимсага нисбатан икки хил кайфият ҳис этмоқ (масалан, бир томондан ачинмоқ, бир томондан ғазабланмоқ); 2 иккиюзлама; мунофиқона; гоҳ у ёққа, гоҳ бу ёққа оғиб турадиган; **~ая поли́тика** иккиюзлама сиёсат; 3 икки тарафлама, икки тараф ўртасидаги; **~ый сою́з** икки тарафлама ittифоқ; ✦ **~ое число́** *грам.* иккилик сон; **~ая игра́** *то же, что* **двойна́я игра́** *см.* **двойно́й.**

ДВОЙЧА́ТКА *ж, р. мн.* **-ток** қўш(алоқ) нарса; барака (мас., қўшалоқ ёнғоқ).

ДВО́Р I *м, р.* **-а́** 1 ҳовли; қўра; **вход со ~а́** ҳовлидан (ҳовли орқали) кирилади; йўл ҳовлидан; **убира́ть ~** ҳовлини тозаламоқ; **въе́хать во ~** ҳовлига кирмоқ; 2 деҳқон хўжалиги, хонадон; **колхо́зный ~** колхоз хонадони; **дере́вня в сто ~о́в** юзта хонадони бўлган қишлоқ; қўра; оғилхона; сарой; **ско́тный ~** моллар турадиган қўра; молхона; ✦ **на ~е́** ташқарида; **весна́ на ~е́** ташқарида баҳор; **на ~е́ моро́з** ташқари совуқ; **гости́ный ~** раста (бозор растаси); **моне́тный ~** зарбхона (танга-чақа ва ш. к. зарб қилинадиган жой); **постоя́лый ~** сарой, карвонсарой; бекат; **не ко ~у́** (быть, прийтйсь) тўғри (мос) келмаслик, ёқмаслик.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ДВОР II *м, р.* **-á** сарой аҳллари (аъёнлари); сарой; **цáрский ~** подшо саройи, сарой аъёнлари; **быть при ~é** саройга, подшога яқин бўлмоқ.

ДВОРЕ́Ц *м, р.* **-рцá** 1 ҳашаматли (данғиллама) уй, сарой, кошона; 2 сарой, ўрда; **лéтний ~ Петрá Пéрвого** Пётр Биринчининг ёзги саройи; 3 сарой (жамоат ишлари учун белгиланган катта бино); **Дворéц пионéров** Пионерлар саройи; **Дворéц трудá** Меҳнат саройи; **Дворéц спóрта** Спорт саройи; **Дворéц бракосочетáний** Никоҳ саройи; Бахт уйи.

ДВОРЕ́ЦКИЙ *м, р.* **-ого** хизматкорлар оғаси, бош хизматкор, бош қарол.

ДВО́РИК *м уменьш-ласк. от* **двор 1** кичкина ҳовли, ҳовлича.

ДВО́РНИК *м* 1 дворник (ҳозли тозалигига қаровчи ходим ёки хизматкор); 2 *разг.* ойнатозалагич (автомашиналарда).

ДВО́РНИЦК/ИЙ, -ая, -ое 1 дворникка оид; дворник...; 2 *в знач. сущ.* **~ая** *ж* дворник хонаси (дворник турадиган хона, жой).

ДВО́РНИЧИХА *ж разг.* 1 *см.* **дво́рник**; 2 *уст.* дворник хотини.

ДВО́РНЯ *ж собир.* қароллар, хизматкорлар.

ДВО́РНЯГА *ж* қўппак ит, кўппак.

ДВО́РНЯЖКА *ж, р. мн.* **-жек** *то же, что* **дворня́га.**

ДВОРО́В/ЫЙ, -ая, -ое 1 ҳовлидаги; хонаки; ҳовли...; қўра...; **~ые постро́йки** ҳовлидаги иморатлар; 2 крепостнойлардан чиққан хизматкор, қарол; **~ые лю́ди** крепостной хизматкорлар, қароллар; 3 *в знач. сущ.* **~ый** *м*, **~ая** *ж* крепостной хизматкор, қарол; чўри.

ДВОРЦО́В/ЫЙ, -ая, -ое *прил. от* **дворе́ц 1** саройга оид, саройга, сарой аҳлларига (аъёнларига) мансуб бўлган; сарой...; **~ая пло́щадь** сарой майдони (сарой олдидаги майдон); ✦ **~ый перево́рот** сарой тўнтариши (сарой аъёнлари томонидан уюштирилган тўнтариш).

ДВОРЯ́НИН *м, мн.* **-я́не** дворян, оқсуяк, зодагон.

ДВОРЯ́НКА *ж, р. мн.* **-нок** *см.* **дворя́нин.**

ДВОРЯНСК/ИЙ, -ая, -ое дворянларга оид; дворянларга, оқсуякларга хос, мансуб бўлган; дворян(лар)...; **~ое сосло́вие** дворянлар табақаси.

ДВОРЯ́НСТВО *с* 1 дворянлар табақаси; 2 *собир.* дворянлар, оқсуяклар, зодагонлар; **родово́е ~** асл дворянлар.

ДВОЮ́РОДН/ЫЙ, -ая, -ое: -ый брат, ~ая сестра́ бир қорин нари (яъни, бобоси, бувиси бор) ака-укалар, опа-сингиллар, тоғаваччалар, амакиваччалар, ҳолаваччалар, аммаваччалар — бир-бирига нисбатан; **~ая тётка** отанинг ёки онанинг ҳоласи.

ДВОЯ́К/ИЙ, -ая, -ое икки тарафлама, икки томонлама, икки ёқлама; икки турли, икки хил; **~ая вы́года** икки ёқлама фойда; **~ое реше́ние** икки хил ечим (ечилма).

ДВОЯ́КО *нареч.* икки турли; икки хил, турлича, икки ёқлама.

ДВОЯКОВО́ГНУТ/ЫЙ, -ая, -ое икки ёқлама ботиқ; **~ое стекло́** икки ёқлама ботиқ шиша.

ДВОЯКОВЫПУКЛ/ЫЙ, -ая, -ое иккиёқлама қабариқ; **~ая ли́нза** икки ёқлама қабариқ линза.

ДВОЯКОДЫ́ШАЩИЕ *мн., р.* **-их** *(ед.* **двоякодышащее** *с) зоол.* икки хил (ҳам ўпка орқали, ҳам ойқулоқ орқали) нафас олувчилар.

ДВУБО́РТНЫЙ, -ая, -ое икки бортли, икки ёғи тугмали; **~ пиджа́к** икки бортли пиджак.

ДВУГЛА́ВЫЙ, -ая, -ое икки бошли; ✦ **~ орёл** икки бошли бургут (чор Россияси гербидаги расм).

ДВУГЛА́СНЫЙ, -ая, -ое *лингв. то же, что* **дифтонги́ческий.**

ДВУГО́РБЫЙ, -ая, -ое икки ўркачли; **~ верблю́д** икки ўркачли туя.

ДВУГРА́ННЫЙ, -ая, -ое икки ёқли; **~ у́гол** икки ёқли бурчак.

ДВУГРИВЕ́ННИК *м разг. то же, что* **двугри́венный.**

ДВУГРИВЕ́ННЫЙ *м, р.* **-ого** *разг.* бир танга, биттанга (20 тийинлик, йигирма тийин).

ДВУДЕ́ТН/ЫЙ, -ая, -ое иккита болали; иккита боласи бўлган; **~ая семья́** иккита болали оила.

ДВУДО́ЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое 1 *лит.* икки бўғинли; **~ый разме́р стиха́** икки бўғинли шеър вазни; 2 *бот.* икки паллали; **~ое расте́ние** икки паллали (уруғи, дони икки паллали) ўсимлик; 3 *в знач. сущ.* **~ые** *мн. бот.* икки паллалилар.

ДВУДО́МН/ЫЙ, -ая, -ое *бот.* 1 икки уяли; **~ые расте́ния** икки уяли ўсимликлар; 2 *в знач. сущ.* **~ые** *мн.* икки уялилар.

ДВУЕДИ́НЫЙ, -ая, -ое *книжн.* бир бутун (икки хил ҳодиса, нарса, киши ва ш. к. ни бирлаштирган, мужассамлантирган).

ДВУЖИ́ЛЬНЫЙ, -ая, -ое 1 икки проводли, икки симли; **~ ка́бель** икки проводли кабель; 2 *прост.* чайир, бақувват.

ДВУЗНА́ЧН/ЫЙ, -ая, -ое *мат.* 1 икки хонали; **~ое число́** икки хонали сон; 2 икки қийматли; иккита қийматга эга бўлган; **~ая величина́** икки қийматли катталик.

ДВУКО́ЛКА *ж, р. мн.* **-лок** икки ғилдиракли енгил арава; икки ғилдиракли извош.

ДВУКО́ННЫЙ, -ая, -ое қўш отли; икки от қўшилган (қўшиладиган); **~ плуг** қўш отли плуг.

ДВУКОПЫ́ТНЫЕ *мн., р.* **-ых** *(ед.* **двукопы́тное** *с) зоол.* айритуёқлилар, қўштуёқлилар.

ДВУКРА́ТНО *нареч.* икки баравар; икки марта, икки карра; икки қайта.

ДВУКРА́ТН/ЫЙ, -ая, -ое икки марта ортиқ, икки баравар кўп; икки марта, икки карра, икки ҳисса; **~ое напомина́ние** икки марта эслатиш, огоҳлантириш; **заплати́ть в ~ом разме́ре** икки марта ортиқ (икки ҳисса қилиб) тўламоқ.

ДВУКРЫЛ/ЫЙ, -ая, -ое 1 икки қанотли; **~ое насеко́мое** икки қанотли ҳашарот; 2 *в знач. сущ.* **~ые** *мн. зоол.* икки қанотлилар, қўшқанотлилар.

ДВУЛИ́КИЙ, -ая, -ое 1 икки хил қиёфага (икки хил қарама-қарши хусусиятларга) эга бўлган, иккиюзли, икки қиёфали; 2 иккиюзлама, мунофиқ; ✦ **~ Янус** иккиюзлама одам, мунофиқ.

ДВУЛИ́ЧИЕ *с* 1 икки хил қиёфага (икки хил қарама-қарши хусусиятларга) эгаллик; 2 иккиюзламалик, мунофиқлик.

ДВУЛИ́ЧНЫЙ, -ая, -ое; -чен, -чна иккиюзлама, мунофиқ, риёкор; **~ челове́к** иккиюзлама одам.

ДВУНО́ГИЙ, -ая, -ое икки оёқли, иккита оёғи бўлган.

ДВУПА́ЛЫЙ, -ая, -ое икки(та) бармоқли, бармоғи иккита бўлган.

ДВУПЛА́НН/ЫЙ, -ая, -ое икки планли; икки планда (кўринишда) тасвирланган; икки пландаги; **~ое изображе́ние** икки планли (кўринишли) тасвир; икки пландаги (кўринишдаги) тасвир; икки планда (кўринишда) тасвирлаш.

ДВУПО́Л/ЫЙ, -ая, -ое 1 *биол.* икки жинсли (ҳам эркаклик, ҳам ургочилик белгиси, органи бўлган); **~ое живо́тное** икки жинсли ҳайвон; **~ые расте́ния** икки жинсли ўсимликлар; 2 *мат.* икки паллали; **~ый гиперболо́ид** икки паллали гиперболоид.

ДВУПО́ЛЬЕ *с с.-х.* икки далали деҳқончилик.

ДВУПО́ЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое *с.-х.* икки далали; икки пайкалли; **~ая систе́ма земледе́лия** икки далали деҳқончилик усули (ҳар йили ернинг ярмини экиб, ярми шудгор қилиб қолдириладиган деҳқончилик усули).

ДВУРО́Г/ИЙ, -ая, -ое икки шохли, шохи иккита бўлган; **~ое живо́тное** икки шохли ҳайвон; **~ая луна́** ярим ой, ҳилол.

ДВУРУ́КИЙ, -ая, -ое икки қўлли, қўли иккита бўлган.

ДВУРУ́ЧН/ЫЙ, -ая, -ое икки дастали, икки ёғида дастаси бўлган; **~ая пила́** икки дастали арра.

ДВУРУ́ШНИК *м* мунофиқ, риёкор; сотқин, хоин.

ДВУРУ́ШНИЦА *ж см.* **двуру́шник.**

ДВУРУ́ШНИЧАТЬ *несов.* мунофиқлик (хоинлик) қилмоқ, мунофиқона иш тутмоқ.

ДВУРУ́ШНИЧЕСКИЙ, -ая, -ое мунофиқ одамларга (хоинларга, сотқинларга) хос бўлган; мунофиқона; **~ посту́пок** мунофиқона хатти-ҳаракат; мунофиқлик, хоинлик.

ДВУРУ́ШНИЧЕСТВО *с* мунофиқона хатти-ҳаракат; мунофиқлик, хоинлик, сотқинлик; **полити́ческое ~** сиёсий мунофиқлик.

ДВУСВЕ́ТНЫЙ, -ая, -ое остин-устин икки қатор ойнали (деразали), **~ зал** остин-устин икки қатор ойнали зал.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ДВУСЕМЯДОЛЬНЫЙ, -ая, -ое *то же, что* **двудо́льный** 2.

ДВУСКАТН/ЫЙ, -ая, -ое икки нишабли, икки томонга нишаб; **~ая кры́ша** икки нишабли том.

ДВУСЛО́ЖН/ЫЙ, -ая, -ое *лингв.* икки бўғинли; **~ое сло́во** икки бўғинли сўз; **~ые разме́ры** икки бўғинли шеърий вазнлар.

ДВУСМЫСЛЕННОСТ/Ь *ж* 1 икки маънолилик, дудмоллик, муҳмаллик; 2 икки маъноли гап; одобдан ташқари қочирим, ишора, шама; **говори́ть ~и** икки маъноли қилиб гапирмоқ; қочирим (шама) қилмоқ.

ДВУСМЫСЛЕНН/ЫЙ, -ая, -ое 1 икки маъноли, икки маънода тушунилиши мумкин бўлган, кинояли, дудмол, муҳмал; 2 одобдан ташқари пичингли, шамали, қочиримли; **~ая шу́тка** шамали ҳазил.

ДВУСМЫСЛИЦА *ж разг. то же, что* **двусмы́сленность** 2.

ДВУСПАЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое икки кишилик; икки киши сиғадиган, ётадиган; **~ая крова́ть** икки кишилик каравот.

ДВУСТВО́ЛКА *ж, р. мн.* **-лок** икки стволли милтиқ, қўшоғиз милтиқ, қўшоғиз.

ДВУСТВОЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое 1 икки стволли, қўшоғиз; **~ое ружьё** қўшоғиз милтиқ; 2 икки танали, икки пояли; танаси, пояси иккига айрилган; **~ое де́рево** икки танали дарахт.

ДВУСТВОРЧАТ/ЫЙ, -ая, -ое икки табақали; қўштабақа; **~ая дверь** икки табақали эшик; **~ый кла́пан** *анат.* қўштабақа (қўшқават) клапан (юракда).

ДВУСТИ́ШИЕ *с лит.* икки мисрали шеър; байт.

ДВУСТО́ПНЫЙ, -ая, -ое *лит.* икки туроқли.

ДВУСТОРОНН/ИЙ, -яя, -ее 1 икки томони (орқа-ўнги, ўнг-терси) бир хил; дурўя. **~ее сукно́** дурўя (орқа-ўнги бир хил) мовут; 2 икки томонлама, икки тарафлама; **~ее воспале́ние лёгких** икки томонлама зотилжам; 3 икки томон ўртасидаги, икки томонлама; ўзаро; **~ее соглаше́ние** икки томонлама битим, икки томон ўртасида тузилган битим; **~яя радиосвя́зь** икки томонлама радиоалоқа, ўзаро радиоалоқа.

ДВУТАВРО́В/ЫЙ, -ая, -ое қўштавр (қўш «т», яъни I шаклидаги); **~ая ба́лка** қўштавр балка, қўштавр тўсин; **~ое желе́зо** қўштавр темир.

ДВУХА́КТН/ЫЙ, -ая, -ое икки актли, икки пардали; **~ая пье́са** икки пардали пьеса.

ДВУХАРШИ́ННЫЙ, -ая, -ое *уст.* икки газли; икки газ узунликдаги; бўйи, узунлиги икки газ келадиган.

ДВУХА́ТОМНЫЙ, -ая, -ое икки атомли; икки атомдан иборат бўлган.

ДВУХВАЛЕ́НТНЫЙ, -ая, -ое *хим.* икки валентли.

ДВУХВЕДЕ́РНЫЙ, -ая, -ое икки челакли; ҳажми (сиғими) икки челак келадиган, икки челак нарса эл тадиган.

ДВУХВЕ́РСТКА *ж, р. мн.* **-ток** *разг.* икки чақирим масштабли (яъни икки чақирим масофа бир дюймда тасвирланган) харита.

ДВУХВЕ́РСТН/ЫЙ, -ая, -ое 1 икки чақиримли; икки чақирим келадиган; **~ый тонне́ль** икки чақиримли тоннель; 2 икки чақирим масштабли (икки чақирим масофа бир дюймда кўрсатилган); **~ая ка́рта** икки чақирим масштабли харита.

ДВУХВЕСЕ́ЛЬН/ЫЙ и **ДВУХВЕ́СЕЛЬНЫЙ, -ая, -ое** икки эшкакли; **~ая ло́дка** икки эшкакли қайиқ.

ДВУХГЛА́ЗКОВЫ/Й, -ая, -ое икки куртакли, иккита куртаги бўлган; **~е черенки́ виногра́да** икки куртакли ток қаламчаси.

ДВУХГОДИ́ЧНЫ/Й, -ая, -ое икки йиллик; икки йил давом этган (этадиган); икки йилга мўлжалланган; **~е ку́рсы** икки йиллик курс; **~й переры́в** икки йиллик танаффус; **~й запа́с** икки йиллик запас.

ДВУХГОДОВАЛЫЙ, -ая, -ое икки ёшли, икки яшар; **~ ребёнок** икки яшар бола.

ДВУХДНЕ́ВН/ЫЙ, -ая, -ое икки кунлик, икки кун давом этган (этадиган); икки кунга мўлжалланган; **~ое сове́щание** икки кунлик кенгаш; **~ый запа́с** икки кунлик запас.

ДВУХДЮЙМО́ВКА *ж, р. мн.* **-вок** *разг. спец.* қалинлиги (ёки йўғонлиги) икки дюйм нарса (мас., тахта, тунука, труба ва ҳ. к.).

ДВУХДЮЙМО́ВЫЙ, -ая, -ое қалинлиги (ёки йўғонлиги) икки дюйм келадиган, икки дюймли.

ДВУХЗА́ЛЬНЫЙ, -ая, -ое икки залли; иккита зали бўлган; **~ кинотеа́тр** икки залли кинотеатр.

ДВУХКВАРТИ́РНЫЙ, -ая, -ое икки квартирали; **~ дом** икки квартирали уй (бино).

ДВУХКИЛОМЕТРО́В/ЫЙ, -ая, -ое 1 икки километрли, икки километр узунликдаги, икки километр келадиган; **~ый путь** икки километрли йўл; 2 икки километр масштабли (икки километр масофа бир сантиметрда ифодаланган); **~ая ка́рта** икки километр масштабли харита.

ДВУХКОЛЕ́ЙН/ЫЙ, -ая, -ое икки колеяли, икки изли; **~ая доро́га** икки колеяли (изли) темир йўл.

ДВУХКОЛЁСНЫЙ, -ая, -ое икки ғилдиракли; **~ экипа́ж** икки ғилдиракли арава.

ДВУХКО́МНАТН/ЫЙ, -ая, -ое икки хонали; **~ая кварти́ра** икки хонали квартира.

ДВУХКОПЕ́ЕЧН/ЫЙ, -ая, -ое 1 икки тийинлик; **~ая мо́нета** икки тийинлик чақа; 2 икки тийин турадиган, нархи, баҳоси икки тийин бўлган; икки тийинлик; **~ая ма́рка** икки тийинлик марка.

ДВУХКРАСО́ЧНЫЙ, -ая, -ое икки рангли; икки хил бўёқ билан ишланган; **~ рису́нок** икки рангли сурат.

ДВУХЛА́МПОВЫЙ, -ая, -ое икки лампали; **~ радиоприёмник** икки лампали радиоприёмник.

ДВУХЛЕМЕ́ШНЫЙ, -ая, -ое икки лемехли; икки тишли; **~ плуг** икки лемехли (тишли) плуг.

ДВУХЛЕ́ТИЕ *с* 1 икки йиллик вақт, муддат; икки йил; 2 *чего* икки йиллик (маросим, юбилей).

ДВУХЛЕ́ТН/ИЙ, -яя, -ее 1 икки йиллик; икки йил давом этган (этадиган); икки йилга мўлжалланган; **~ее расте́ние** икки йиллик ўсимлик; **~ий запа́с** икки йиллик запас; 2 икки ёш(ли); икки ёшдаги; икки яшар; **~яя ло́шадь** икки ёшли от.

ДВУХЛИТРО́В/ЫЙ, -ая, -ое икки литрли; ҳажми (сиғими) икки литр бўлган; икки литр элтадиган; **~ая ба́нка** икки литрли банка; **~ый сосу́д** икки литрли идиш.

ДВУХМАЧТОВ/ЫЙ, -ая, -ое икки мачтали, икки минорали; **~ое су́дно** икки мачтали кема.

ДВУХМЕ́СТН/ЫЙ, -ая, -ое икки ўринли, иккита ўрни бўлган, икки киши сиғадиган; **~ый самолёт** икки ўринли самолёт; **~ое купе́** икки ўринли купе.

ДВУХМЕСЯЧН/ЫЙ, -ая, -ое 1 икки ойлик; икки ой давом этган (этадиган); икки ойга мўлжалланган; **~е ку́рсы** икки ойлик курс; **~й запа́с** икки ойлик запас; 2 икки ойлик; тугилганига икки ой бўлган; **~й ребёнок** икки ойлик бола.

ДВУХМЕТРО́В/ЫЙ, -ая, -ое икки метрли, узунлиги икки метр бўлган, икки метр келадиган; **~ая высота́** икки метрли баландлик.

ДВУХМОТО́РНЫЙ, -ая, -ое икки моторли; иккита мотор ўрнатилган; **~ самолёт** икки моторли самолёт.

ДВУХНЕДЕ́ЛЬНЫЙ, -ая, -ое 1 икки ҳафталик, икки ҳафта давом этган (этадиган); икки ҳафтага мўлжалланган; **~ о́тпуск** икки ҳафталик отпуск; 2 икки ҳафталик; тугилганига икки ҳафта бўлган; **~ ребёнок** икки ҳафталик бола; 3 икки ҳафталик, икки ҳафтада бир чиқадиган; **~ журна́л** икки ҳафталик журнал.

ДВУХО́СНЫЙ, -ая, -ое икки ўқли; иккита ўқи бўлган; **~ автомоби́ль** икки ўқли автомобиль.

ДВУХПАЛАТН/ЫЙ, -ая, -ое икки палатали; иккита палатадан иборат бўлган; **~ая парла́ментская систе́ма** икки палатали парламент системаси.

ДВУХПАЛУБН/ЫЙ, -ая, -ое икки палубали; **~ое су́дно** икки палубали кема.

ДВУХПА́РТИЙНЫЙ, -ая, -ое икки партияли; икки партия шитирокида тузилган.

ДВУХПОЛЮСНЫЙ, -ая, -ое *физ.* икки қутбли; иккита қутби бўлган.

ДВУХПРОГРА́ММН/ЫЙ, -ая, -ое икки программали, иккита программада эшиттириш (кўрсатиш) олиб борадиган; **~ое ве́щание** икки программали (программада) эшит-

www.ziyouz.com kutubxonasi

тириш; **~ая телевизио́нная ста́нция** икки программали телевизион станция.

ДВУХРА́ЗОВЫЙ, **-ая**, **-ое** икки мартали; икки марта бўлган (бўладиган); **~ое пита́ние** кунига (ёки бирор вақт ичида) икки марта овқатланиш (овқатлантириш); овқатнинг кунига (ёки бирор вақт ичида) икки марта берилиши.

ДВУХРУБЛЁВЫЙ, **-ая**, **-ое** икки сўмлик; икки сўм турадиган; нархи, баҳоси икки сўм бўлган.

ДВУХРЯ́ДКА *ж, р. мн.* **-док**: **гармо́нь-~** икки қатор клавишли гармонь.

ДВУХСЛО́ЙН/ЫЙ, **-ая**, **-ое** икки қаватли (қатламли); икки қаватдан (қатламдан) иборат бўлган; икки қават, қўшқават; **~ая фане́ра** қўшқават фанер.

ДВУХСМЕ́НН/ЫЙ, **-ая**, **-ое** икки сменали; **~ая рабо́та** икки сменали иш.

ДВУХСОТЛЕ́ТИЕ *с* 1 икки юз йиллик вақт, муддат; икки юз йил; 2 *чего* икки юз йиллик (маросим, юбилей); **~ основа́ния университе́та** университет ташкил этилганлигининг икки юз йиллиги.

ДВУХСОТЛЕ́ТНИЙ, **-яя**, **-ее** 1 икки юз йиллик; икки юз йил давом этган (этадиган); 2 икки юз йиллик; икки юз йилдан бери бор бўлган; икки юз йил яшаган; **~ дуб** икки юз йиллик дуб.

ДВУХСО́Т/ЫЙ, **-ая**, **-ое** *числит. порядк.* икки юзинчи; икки юз номерли; **~ая страни́ца** икки юзинчи бет; **~ый экземпля́р** икки юзинчи нусха.

ДВУХСТУПЕ́НЧАТ/ЫЙ, **-ая**, **-ое** икки поғонали, икки босқичли; **~ая раке́та** икки поғонали ракета; **~ые вы́боры** икки поғонали сайлов системаси.

ДВУХТА́КТН/ЫЙ, **-ая**, **-ое** 1 *муз.* икки тактли; икки тактга тенг бўлган; икки такт давом этадиган; **~ая па́уза** икки тактли пауза; 2 *тех.* икки тактли; икки тактда ишлайдиган; **~ый дви́гатель** икки тактли двигатель.

ДВУХТО́МНИК *м* икки томли асар; икки томлик; **~ В. Маяко́вского** В. Маяковскийнинг икки томлиги (икки томли асарлари тўплами).

ДВУХТО́МНЫЙ, **-ая**, **-ое** икки томли, икки томдан иборат бўлган; **~ рома́н** икки томли роман; **~ слова́рь** икки томли луғат.

ДВУХТЫСЯЧЕЛЕ́ТИЕ *с* 1 икки минг йиллик вақт, муддат; икки минг йил; 2 икки минг йиллик (маросим, юбилей).

ДВУХТЫСЯЧЕЛЕ́ТНИЙ, **-яя**, **-ее** икки минг йиллик; икки минг йилдан бери бор бўлган, давом этиб келган.

ДВУХТЫСЯЧН/ЫЙ, **-ая**, **-ое** 1 *числ. порядк.* икки мингинчи; икки минг номерли; **~ый но́мер** икки мингинчи номер; 2 икки минг сўмлик, икки минг сўм турадиган; **~ая шу́ба** икки минг сўмлик шуба (пўстин); 3 икки мингта бирликдан иборат бўлган; икки минг кишили; **~ый отря́д** икки минг кишили отряд.

ДВУХФА́ЗНЫЙ, **-ая**, **-ое** *эл.* икки фазали; **~ перемённый ток** икки фазали ўзгарувчан ток.

ДВУХФУНТО́ВЫЙ, **-ая**, **-ое** икки қадоқли, икки қадоқ келадиган.

ДВУХЦВЕТН/ЫЙ, **-ая**, **-ое** икки рангли; **~ая ткань** икки рангли мато; **~ый фла́г** икки рангли байроқ.

ДВУХЧА́СОВ/ОЙ, **-а́я**, **-о́е** 1 икки соатли, икки соат давом этган (этадиган); икки соатга мўлжалланган; **~о́е ожида́ние** икки соатли кутиш; **~о́й докла́д** икки соатли доклад; 2 соат иккидаги; соат иккида бўлган (бўладиган); соат иккига белгиланган; **~о́й по́езд** соат иккидаги поезд; **~о́й сеа́нс** 1) икки соатли сеанс; 2) соат иккидаги сеанс.

ДВУХЭТА́Ж/НЫЙ, **-ая**, **-ое** икки қават(ли), болохонали; **~ый дом** икки қават(ли) уй, иморат; ✦ **~ая ру́гань** *разг.* болохонадор сўкиш.

ДВУЧЛЕ́Н *м мат.* иккиҳад, бином.

ДВУЧЛЕННО́/ЫЙ, **-ая**, **-ое** *мат.* иккиҳадли; **~ое уравне́ние** иккиҳадли тенглама.

ДВУЯ́ЗЫЧИЕ *с лингв.* 1 икки тиллилик, икки тилдан баравар фойдаланиш; 2 икки тилни билиш, икки тилда сўзлашиш.

ДВУЯЗЫЧН/ЫЙ, **-ая**, **-ое**; **-чен**, **-чна** 1 икки тилли, икки тилда сўзлашувчи, икки тилдан баравар фойдаланувчи; **~ое населе́ние** икки тилли аҳоли; 2 икки тилли, икки тилда ёзилган, тузилган; **~ый слова́рь** икки тилли луғат.

-ДЕ *частица прост.* **-миш**, **эмиш**; **деяпти**, **дейиляпти**; **сообщи́те ему́, что он-де всё по́нял** унга ҳаммасини тушунган эмиш, деб айтиб қўйинг.

ДЕБАРКАДЕ́Р и **ДЕБАРКА́ДЕР** *м* 1 дебаркадер, пристань; 2 *уст.* платформа (станцияларда).

ДЕБАТИ́РОВАТЬ *несов. что* или *о чём* муҳокама (музокара) қилмоқ, фикрлашмоқ, баҳслашмоқ, тортишмоқ; **~ вопро́с** масалани муҳокама қилмоқ; масала ҳақида мунозара олиб бормоқ, баҳслашмоқ.

ДЕБА́ТЫ *мн.* муҳокама, музокара, мунозара; баҳслашув, тортишув, баҳс; **парла́ментские ~** парламентдаги баҳслар.

ДЕБЕ́Л/ЫЙ, **-ая**, **-ое** *разг.* семиз, биққадай семиз; тўла, лўппи; бўлиқ, бўлали; **~ая же́нщина** бўлиқ хотин.

ДЕБЕ́Т *м бухг.* дебет, кирим.

ДЕБЕТОВА́ТЬ, **-ту́ю**, **-ту́ешь** *сов.* и *несов. что бухг.* дебетга ёзмоқ; дебетга ёзиб қўймоқ; **~ счёт** счётни дебетга ёзиб қўймоқ.

ДЕБЕТО́В/ЫЙ, **-ая**, **-ое** *бухг.* дебетга оид; дебет...; **~ая за́пись** дебетга ёзиш; дебет томонидаги ёзув.

ДЕБИ́Л *м* ақли заиф (эси паст) одам, эсвос, думбул.

ДЕБИ́Т *м спец.* дебит (манбадан маълум вақтда олинадиган нарса миқдори); **~ нефтяно́й сква́жины** нефть қудуғининг дебити.

ДЕБИТО́Р *м бухг.* дебитор, қарздор, боқимондачи.

ДЕБИТО́РСК/ИЙ, **-ая**, **-ое** *бухг.* дебиторларга, қарздорларга оид; дебиторлардаги, қарздорлардаги, боқимонда; **~ая задо́лженность** боқимонда қарз; дебиторлардан ундириладиган қарз.

ДЕБЛОКИ́РОВАТЬ *сов.* и *несов. что* қамални (қуршовни) тўхтатмоқ; қамалдан (қуршовдан) қутқармоқ, қамалдагиларни озод қилмоқ.

ДЕБО́Ш *м* уриш-жанжал, муштлашиш, тўполон; **устро́ить ~** уриш-жанжал (тўполон) қилмоқ, уриш-жанжал чиқармоқ; муштлашмоқ; уриш-жанжал кўтариб, тартибни бузмоқ.

ДЕБО́ШИР *м* уриш-жанжал (тўполон) қилувчи, уриш-жанжал чиқариб, муштлашиб тартибни бузувчи, тўполончи, безори.

ДЕБОШИ́РИТЬ *несов. разг.* уриш-жанжал (тўполон) қилмоқ, уриш-жанжал чиқармоқ, уриш-жанжал чиқариб тартибни бузмоқ.

ДЕБОШИ́РСТВО *с* уриш-жанжал чиқариш, муштлашиш, тўполончилик, безорилик.

ДЕ́БРИ *мн. (ед. уст.* **дебрь** *ж)* 1 қалин, чалкаш ўрмон, чангалзор, чакалакзор; **непроходи́мые ~** ўтиб бўлмайдиган чалкаш ўрмонлар; 2 *перен. чего* чалкаш (тушунилиши қийин, мушкул) жойлар; **~ матема́тики** математиканинг чалкаш, қийин жойлари.

ДЕБЮ́Т *м* 1 дебют, биринчи чиқиш; бошлаш; **~ арти́ста** артистнинг дебюти; 2 *шахм.* дебют, бошланиш (шахмат ва шашка ўйинининг бошланиши); **~ четырёх коне́й** тўрт аси дебюти.

ДЕБЮТА́НТ *м* дебютант, биринчи марта чиқувчи, бошловчи.

ДЕБЮТА́НТКА *ж, р. мн.* **-ток** *см.* **дебюта́нт.**

ДЕБЮТИ́РОВАТЬ *сов.* и *несов.* биринчи марта чиқмоқ; бошламоқ; **~ в ро́ли Га́млета** Гамлет ролида биринчи (марта) чиқмоқ.

ДЕБЮТНЫ/Й, **-ая**, **-ое** дебютдаги, бошланғич даврдаги; **~е ходы́** *шахм.* дебют(даги) юришлар(и).

ДЕВА *ж уст. поэт.* қиз; ✦ **ста́рая ~** *разг.* қари қиз.

ДЕВАЛЬВАЦИО́ННЫЙ, **-ая**, **-ое** девальвацион; девальвация...

ДЕВАЛЬВА́ЦИЯ *ж* девальвация (муомаладаги қадрсизланган қоғоз пулларни бекор қилиш ёки қийматини тушириш).

ДЕВА́/ТЬ *несов. кого-что разг.* 1 *см.* **деть**; 2 *сов. то же что* **деть**; **куда́ ты ~л мои́ очки́?** кўзойнагимни қаерга қўйдинг?; ✦ **~ть** (или **деть**) **не́куда** қаёққа қўйишни (нима қилишни) билмайсан, кишни; жуда кўп, бисёр, тиқилиб ётибди; **не знать куда́ ~ть** (**деть**) **глаза́** уялиб одамларга қарай олмаслик; **не знать куда́ себя́ ~ть** (**деть**) ўзини қаёққа қўйишни (уришни) билмай қолиш.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ДЕВА/ТЬСЯ *несов. разг.* 1 *см.* **де́ться; куда́ кни́ги со стола́ ~ются?** столдаги китоблар қаёққа ғойиб бўляпти?; 2 *то же, что* **де́ться; куда́ ~лись мои́ очки́?** кўзойнагим қаёққа ғойиб бўлди?; ✦ **не знать куда́ ~ться** ўзини қаёққа уришини билмай қолмоқ; **~ться не́куда** на чора, бошқа илож йўқ.

ДЕ́ВЕРЬ *м, мн.* **-рья́**, *р.* **-ре́й** қайнага, қайнини (эрнинг акаси ёки укаси).

ДЕВИА́ЦИЯ *ж спец.* оғиш, бурилиш, четга чиқиш; **~ компа́са** компас стрелкасининг меридиандан оғиши; **~ корабля́** кеманинг йўлдан оғиши.

ДЕВИ́З *м* 1 девиз, шиор; **наш ~ — всегда́ вперёд!** бизнинг шиоримиз — ҳамма вақт олга!; 2 девиз, яширин имзо (конкурсга юборилган ишларда).

ДЕВИ́ЗА *ж* девиза (чет эл пули билан тўланадиган вексель).

ДЕВИ́ЦА и *нар.-поэт* **ДЕ́ВИЦА** *ж уст.* бўйи етган қиз; **де́вица-краса́вица** бўйи етган гўзал қиз, барно; ✦ **в девицах** қизлик вақтида; **кра́сная де́вица** *разг. шутл.* уятчан йигит.

ДЕВИ́ЧЕСКИЙ, -ая, -ое *то же, что* **де́вичий.**

ДЕВИ́ЧЕСТВ/О *с уст.* қизлик даври; **в ~е** қизлиги(м)да қизлик даври(м)да.

ДЕ́ВИЧ/ИЙ и **ДЕВИ́ЧИЙ, -ья, -ье** қизлик давридаги; қизларга хос бўлган; **~ья фами́лия** қизлик давридаги фамилия; **~ья кра́сота́** қизлик давридаги гўзаллик, қизларга хос гўзаллик; **~ий стыд** қизларга хос хаё, ибо; ✦ **~ья па́мять** *шутл.* хотираси сустлик, қисқалик; сует хотира.

ДЕВИ́ЧНИК *м* 1 қизошиқ; 2 *перен.* қизлар базми, ўтириши.

ДЕ́ВИЧЬЯ *ж, р.* **-ьей** *уст.* чўрихона, чўри қизлар хонаси.

ДЕ́ВКА *ж, р. мн.* **-вок** *уст.* и *прост. то же, что* **де́вушка** 1, 2; ✦ **засиде́ться в ~х** эрга тегмай ўтириб қолмоқ, қари қиз бўлиб қолмоқ.

ДЕВО́Н *м то же, что* **девóнский пери́од** *см.* **девóнский.**

ДЕВОНСК/ИЙ, -ая, -ое: ~ий пери́од *геол.* девон даври (палеозой эрасининг учинчи даври); **~ая систе́ма** *геол.* девон системаси.

ДЕ́ВОЧКА *ж, р. мн.* **-чек** вояга етмаган қиз; қиз бола, қизча.

ДЕ́ВСТВЕННИК *м* иффатли киши, маъсум.

ДЕ́ВСТВЕННИЦА *ж* иффатли қиз, маъсума, бокира.

ДЕ́ВСТВЕННОСТЬ *ж* 1 иффатлилик, маъсумлик, бокиралик; иффат; 2 *перен.* бокиралик, киши қўли тегмаганлик, қадами етмаганлик, софлик.

ДЕ́ВСТВЕННЫЙ, -ая, -ое 1 иффатли, маъсум, бокира; 2 *перен.* киши қўли тегмаган, қадами етмаган, бокира, маъсум; пок; **~ лес** бокира ўрмон.

ДЕ́ВУШКА *ж, р. мн.* **-шек** 1 вояга етган қиз; 2 *уст.* чўри қиз; 3 *разг.* қизим; хай қиз (мурожаат формаси).

ДЕВЧА́ТА *мн. разг.* қизлар.

ДЕВЧА́ЧИЙ, -ья, -ье *прил. от* **де́вочка** *разг.* қиз болаларга хос бўлган; қиз бола(лар)...

ДЕВЧО́НКА *ж, р. мн.* **-нок** *разг. унич. от* **де́вочка** кичкина қиз, қизча, қиз бола

ДЕВЧО́НОЧИЙ, -ья, -ье *прил от* **девчóнка** *разг.* қиз болаларга хос бўлган.

ДЕВЯНО́СТО *числ. колич.* тўқсон; тўқсонта; **~ лет** тўқсон йил; **де́душке уже́ за ~** бобо тўқсондан ошди (ошган); **ему́ под ~** у тўқсонга яқинлашиб қолган.

ДЕВЯНОСТОЛЕ́ТИЕ *с* 1 тўқсон йиллик вақт, муддат; тўқсон йил; 2 тўқсон йиллик (маросим, юбилей).

ДЕВЯНОСТОЛЕ́ТНИЙ, -яя, -ее 1 тўқсон йилги; тўқсон йилдан бери бор бўлган, давом этиб келган; 2 тўқсон ёш(ли), ёшдаги, тўқсон яшар; **~ старик** тўқсон ёшдаги чол.

ДЕВЯНО́СТЫЙ, -ая, -ое *числ. порядк.* тўқсонинчи; тўқсон номерли; **~е го́ды** тўқсонинчи йиллар.

ДЕВЯТЕР/О́, -ы́х *р.* **-ы́х** *числ. собир.* тўққиз(та); тўққиз киши ёки нарса; **у него́ ~о дете́й** унинг тўққизта боласи бор; **рабо́тать за ~ы́х** тўққиз кишининг ишини қилмоқ.

ДЕВЯТИКЛА́ССНИК *м* тўққизинчи синф ўқувчиси.

ДЕВЯТИКЛА́ССНИЦА *ж см.* **девятикла́ссник.**

ДЕВЯТИКЛА́ССНЫЙ, -ая, -ое тўққиз синфли.

ДЕВЯТИКРАТН/ЫЙ, -ая, -ое тўққиз марта ортиқ, тўққиз баравар кўп; тўққиз марта; тўққиз карра; тўққиз ҳисса; **~ое увеличе́ние** тўққиз марта ошиш, кўпайиш, катталашиш; тўққиз марта ошириш, кўпайтириш, катталаштириш; **уплати́ть в ~ом разме́ре** тўққиз марта ортиқ (тўққиз ҳисса қилиб) тўламоқ.

ДЕВЯТИСО́ТЫЙ, -ая, -ое *числ. порядк.* тўққиз юзинчи, тўққиз юз номерли; **~е го́ды** тўққиз юзинчи йиллар.

ДЕВЯТИТЫСЯ́ЧНЫЙ, -ая, -ое 1 *числ. порядк.* тўққиз мингинчи, тўққиз минг номерли; 2 тўққиз минг сўмлик; тўққиз минг сўм турадиган; 3 тўққиз мингта бирликдан иборат бўлган; тўққиз минг кишили; **~ отря́д** тўққиз минг кишили отряд.

ДЕВЯТИУГО́ЛЬНИК *м* тўққиз бурчакли (фигура).

ДЕВЯТИУГО́ЛЬНЫЙ, -ая, -ое тўққиз бурчакли.

ДЕВЯТИЧА́СОВО/Й, -а́я, -о́е 1 тўққиз соатли; **тўққиз** соат давом этган (этадиган); тўққиз соатга мўлжалланган; **~е ожида́ние** тўққиз соатли кутиш; **~й курс ле́кций** тўққиз соатли лекция курси; 2 соат тўққиздаги; соат тўққизда бўлган (бўладиган); соат тўққизга белгиланган; **~й по́езд** соат тўққиздаги поезд.

ДЕВЯТК/А *ж, р. мн.* **-ток** 1 тўққиз рақами; тўққиз; 2 тўққизлик; тўққизталик; **~а бубён** гиштининг тўққизлиги; 3 *разг.* тўққизинчи номерли; тўққизинчи; тўққиз; **прие́хал на ~е** тўққизинчида (тўққизинчи трамвайда, троллейбусда ва ҳ. к.) келди(м); ✦ **попа́сть в ~ у** *спорт. разг.* 1) футбол ўйинида: тўққизга (дарвозанинг юқори бурчагига) урмоқ; 2) мишеннинг тўққизли доирасига урмоқ, тегизмоқ.

ДЕВЯТНАДЦАТИЛЕТН/ИЙ, -яя, -ее 1 ўн тўққиз йиллик; ўн тўққиз йил давом этган (этадиган); ўн тўққиз йилга мўлжалланган; 2 ўн тўққиз ёш(ли), ёшдаги; ўн тўққиз яшар; **~яя де́вушка** ўн тўққиз яшар қиз.

ДЕВЯТНАДЦАТ/ЫЙ, -ая, -ое *числ. порядк.* ўн тўққизинчи, ўн тўққиз номерли; **~ое ма́я** ўн тўққизинчи май; **~ый дом** ўн тўққизинчи уй.

ДЕВЯТНА́ДЦАТЬ *числ. колич.* ўн тўққиз; ўн тўққизта.

ДЕВЯТ/ЫЙ, -ая, -ое *числ. порядк.* тўққизинчи, тўққизинчи номерли; **~ый год** тўққизинчи йил; **~ая часть** тўққиздан бир (бўлак, улуш); **че́тверть ~ого** (соат) саккиздан чорак ошди; ✦ **~ый вал** *см.* **вал** I.

ДЕВЯТ/Ь, *р.* **-ти́,** *твор.* **-тью** *числ. колич.* тўққиз; тўққизта; **~ь штук** тўққиз дона; тўққизта; **гру́ппа из ~и́ челове́к** тўққиз кишилик группа.

ДЕВЯ́ТЬСО́Т, *р.* **девятисо́т,** *дат.* **девятиста́м,** *твор.* **девятьюста́ми,** *предл.* **о девятиста́х** *числ. колич.* тўққиз юз; тўққиз юзта.

ДЕВЯ́ТЬЮ *нареч.* тўққиз марта; тўққиз карра; **~ де́вять** тўққиз карра тўққиз.

ДЕГАЗА́ТОР *м* дегазатор, газдан тозаловчи (1 дегазация аппарати; (бирон жойни) газдан тозаловчи аппарат; 2 дегазацияловчи модда. 3 дегазация қилувчи одам).

ДЕГАЗАЦИОНН/ЫЙ, -ая, -ое дегазация қиладиган, дегазацион; дегазация...; **~ая ка́мера** дегазация камераси.

ДЕГАЗА́ЦИЯ *ж* дегазациялаш, дегазация қилиш, заҳарловчи газдан тозалаш, газдан тозалаб зарарсизлантириш; **~ жи́дкости** суюқликни дегазациялаш; **~ ме́стности** жойни дегазациялаш, газдан тозалаш.

ДЕГАЗИ́РОВАТЬ *сов.* и *несов. что* дегазацияламоқ, дегазация қилмоқ, заҳарли газдан тозалаб зарарсизлантирмоқ.

ДЕГЕНЕРА́Т *м* дегенерат, чала (зоти, насли бузилган, жисмоний ёки руҳий жиҳатдан айниган) туғилган одам.

ДЕГЕНЕРАТИ́ВНЫЙ, -ая, -ое; -вен, -вна дегенератив, зоти, насли бузилган, айниган, чала.

ДЕГЕНЕРА́ТКА *ж, р. мн.* **-ток** *см.* **дегенера́т.**

ДЕГЕНЕРА́ЦИЯ *ж* дегенерацияланиш, зоти, насли бузилиш, айниш.

ДЕГЕНЕРИ́РОВАТЬ *сов.* и *несов.* дегенерацияланмоқ, айнимоқ, зоти, насли бузилмоқ.

ДЕ́ГОТЬ *м, р.* **-тя** дёготь, қатрон; **древе́сный ~** ёғоч қатрони; **каменноу́гольный ~** тошкўмир қатрони; ✦ **ло́жка дёгтя (в бо́чке мёда)** бир қошиқ қатрон (заҳар) бир бочка асалга татийди (яъни уни бузади).

ДЕГРАДА́ЦИЯ *ж* деградация, таназзул, завол, инқироз.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ДЕГРАДИРОВАТЬ *сов.* и *несов.* таназзулга, инқирозга юз тутмоқ; тобора орқага қараб кетмоқ; завол топмоқ.

ДЕГТЕВО́Й, -а́я, -ое қатронга оид; дёготь...; қатрон...

ДЕГТЯРН/ЫЙ, -ая, -ое 1 қатронга оид...; дёготь...; қатрон...; ~**ая бо́чка** қатрон бочкаси; 2 қатрондан олинган, тайёрланган; қатронли; ~**ое мы́ло** қатронли совун; ~**ая мазь** қорамой.

ДЕГУСТА́ТОР *м* дегустатор, чашначи (мазасига қараб синовчи); ~ **ча́я** чой синовчиси; ~ **вин** чашначи.

ДЕГУСТА́ЦИЯ *ж* дегустация, тотиб кўриб (мазасига қараб) синаш, фарқлаш, сифатини аниқлаш.

ДЕГУСТИ́РОВАТЬ *сов.* и *несов.* *что* дегустация қилмоқ, тотиб кўриб (мазасига қараб) синамоқ, фарқламоқ, сифатини аниқламоқ; ~ **вина** виноларни синамоқ.

ДЕД *м* 1 бобо, бува; **на́ши де́ды** ота-боболаримиз; 2 *разг.* бобой, ота (мурожаат формаси); ✦ ~**-моро́з** қорбобо.

ДЕДЕРО́Н *м* дедерон (капрон).

ДЕ́ДОВ, -а, -о бобога тегишли, бобо(м)ники; бобо...; ~**а ша́пка** бобо(м)нинг қалпоғи.

ДЕ́ДОВСКИ/Й, -ая, -ое 1 бобога тегишли, бобоники; бобо...; 2 ота-боболардан қолган, қадимги, кўҳна, жуда эски; ~**е времена́** қадимги замонлар; ~**е тради́ции** ота-боболар замонидан қолган анъаналар.

ДЕДУКТИ́ВНЫЙ, -ая, -ое дедукцияга асосланган, дедуктив; дедукция...; ~ **ме́тод обуче́ния** ўқитишнинг дедуктив методи.

ДЕДУ́КЦИЯ *ж* дедукция (умумий ҳолатдан хусусий хулосаларга келиш, хусусий хулосалар чиқариш).

ДЕДУЦИ́РОВАТЬ *сов.* и *несов.* *что* дедукция йўли билан хулоса чиқармоқ, исбот қилмоқ.

ДЕ́ДУШКА *м, р. мн.* **-шек** бува, буважон.

ДЕ́ДУШКИН, -а, -о бобога тегишли, бобоники, буваники; ~**а трость** бобо(м)нинг ҳассаси.

ДЕЕПРИЧА́СТИЕ *с грам.* равишдош.

ДЕЕПРИЧА́СТНЫЙ, -ая, -ое *грам.* равишдошли; равишдош...; ~ **оборо́т** равишдошли оборот.

ДЕЕСПОСО́БНОСТЬ *ж* 1 *книжн.* ишга лаёқатлилик, яроқлилик; 2 *юр.* юридик салоҳият, салоҳиятлилик.

ДЕЕСПОСО́БНЫЙ, -ая, -ое; -бен, -бна 1 *книжн.* ишга лаёқатли, яроқли; қўлидан иш келадиган; ~ **организм** ишга лаёқатли организм; 2 *юр.* юридик салоҳиятли (юридик актларни бажариш ҳуқуқига эга бўлган ва ўз қилмишига жавоб бера оладиган); ~ **граждани́н** юридик салоҳиятли граждан.

ДЕЖА *ж, мн.* **дёжи,** *дат.* **дежа́ми** хамир қорадиган катта идиш, хамиртоғора (нон заводларида).

ДЕЖУ́РИТЬ *несов.* 1 дежурлик қилмоқ, навбатчилик қилмоқ, дежур бўлмоқ, навбатда турмоқ; 2 қараб (ёки пойлаб) турмоқ; ~ **у больно́го** беморга қараб турмоқ.

ДЕЖУ́РКА *ж, р. мн.* **-рок** *разг.* қоровулхона, навбатчилар (дежурлар) турадиган хона.

ДЕЖУ́РН/ЫЙ, -ая, -ое 1 дежурлик (навбатчилик) қилувчи, дежур(ний), навбатчи; ~**ый врач** навбатчи врач; 2 навбатчи (кеча-кундуз ишлайдиган); ~**ая апте́ка** навбатчи аптека (кеча-кундуз ишлайдиган аптека); 3 *разг.* асқотадиган; керагида ишлатиладиган, иш берадиган; ~**ые цита́ты** керагида иш берадиган (ёки рўкач қилинадиган) цитаталар; ~**ый opа́тор** *ирон.* доим сўзга чиқадиган нотиқ; ~**ое блю́до** доим тайёр овқат (ошхоналарда, ресторанларда); 4 *в знач. сущ.* ~**ый** *м*, ~**ая** *ж* дежур(ний); ~**ый по ста́нции** *ж.-д.* станция дежурийси.

ДЕЖУ́РСТВ/О *с* дежурлик, навбатчилик; **ночно́е** ~**о** тунги дежурлик; **быть на** ~**е** дежурликда бўлмоқ; дежур турмоқ.

ДЕЗАБИЛЬЕ́ *с нескл. разг. уст.* хонаки кийим, уйда кийиладиган кийим; **быть в** ~ уй кийимида бўлмоқ.

ДЕЗАВУИ́РОВАТЬ *сов.* и *несов.* *кого-что книжн.* норозилик билдирмоқ; воз кечмоқ; рад этмоқ; қайтмоқ; ~ **своего́ представи́теля** ўз вакилининг айтганларини рад қилмоқ (ёки уни ваколатидан маҳрум этмоқ); ~ **своё заявле́ние** ўз айтганларидан, ғанидан қайтмоқ; ўз баёнотини бекор қилмоқ (рад этмоқ).

ДЕЗАКТИВА́ЦИЯ *ж* 1 ўз активлигини, ғайратини йўқотиш; 2 радиоактив қолдиқлардан холи қилиш (тозалаш).

ДЕЗЕРТИ́Р *м* дезертир, қочоқ.

ДЕЗЕРТИ́РОВАТЬ *сов.* и *несов.* дезертирлик қилмоқ, ишдан (хизматдан) қочмоқ, бош тортмоқ.

ДЕЗЕРТИ́РСТВО *с* 1 дезертирлик, қочоқлик; қочиш, 2 *перен.* бирор ишдан (хизматдан) қочиш, бош тортиш.

ДЕЗИНСЕ́КТОР *м* дезинсектор, дезинсекция қилувчи.

ДЕЗИНСЕКЦИО́ННЫ/Й, -ая, -ое дезинсекция қиладиган, дезинсекцион; дезинсекция...; ~**е сре́дства** дезинсекция воситалари.

ДЕЗИНСЕ́КЦИЯ *ж* дезинсекция, зарарли ҳашаротларни йўқотиш, қириш.

ДЕЗИНТЕГРА́ТОР *м* дезинтегратор (1 майдалаш машинаси, майдалайдиган машина; 2 газларни тозалайдиган аппарат).

ДЕЗИНТЕГРА́ЦИЯ *ж* дезинтеграция, таркибий қисмларга ажралиш.

ДЕЗИНФЕ́КТОР *м* дезинфектор, дезинфекция қилувчи.

ДЕЗИНФЕКЦИО́ННЫЙ, -ая, -ое дезинфекция қиладиган, дезинфекцион; дезинфекция...; ~**ая ка́мера** дезинфекция камераси; ~**ые сре́дства** дезинфекция воситалари.

ДЕЗИНФЕ́КЦИЯ *ж* дезинфекция, дезинфекциялаш; зарарли (юқумли касал тарқатувчи) микроблардан тозалаш; уларни зарарсизлантириш, йўқотиш, қириш; **профилакти́ческая** ~ профилактик дезинфекция.

ДЕЗИНФИЦИ́РОВАТЬ *сов.* и *несов.* (*сов. также* **продезинфици́ровать**) *что* дезинфекцияламоқ, дезинфекция қилмоқ; ~ **больни́чные пала́ты** касалхона палаталарини дезинфекцияламоқ; ~ **оде́жду больно́го** беморнинг кийимларини дезинфекцияламоқ.

ДЕЗИНФИЦИ́РУЮЩИ/Й, -ая, -ее дезинфекцияловчи, дезинфекция қилувчи; дезинфекция(лаш)...; ~**е сре́дства** дезинфекцияловчи воситалар, дезинфекция(лаш) воситалари.

ДЕЗИНФОРМАЦИО́ННЫ/Й, -ая, -ое ёлғон хабарлар (ёки маълумотлар) тарқатувчи, чалғитувчи; ~**е све́дения** чалғитувчи хабарлар (ёки маълумотлар).

ДЕ́ЗИНФОРМАЦИЯ *ж* дезинформация, ёлғон хабарлар тарқатиш; ёлғон хабарлар (маълумотлар) билан чалғитиш; ~ **обще́ственного мне́ния** афкор оммани чалғитиш.

ДЕЗИНФОРМИ́РОВАТЬ *сов.* и *несов.* *кого-что* ёлғон хабарлар тарқатмоқ, ёлғон хабарлар (ёки маълумотлар) билан чалғитмоқ.

ДЕЗОДОРА́ТОР *м* дезодоратор (бадбўй ҳидни йўқотадиган қурилма ёки модда).

ДЕЗОДОРА́ЦИЯ *ж* дезодорация, бадбўй ҳидни йўқотиш.

ДЕЗОДОРИ́РОВАТЬ *сов.* и *несов.* *что* дезодорация қилмоқ, бадбўй ҳидни йўқотмоқ.

ДЕЗОКСИДА́ЦИЯ *ж спец.* оксидсизлантириш.

ДЕЗОРГАНИЗА́ТОР *м* дезорганизатор, ишбузуқи, бузғунчи; ишни (тартиб-интизомни) бузувчи, издан чиқарувчи.

ДЕЗОРГАНИЗА́ТОРСКИ/Й, -ая, -ое ишни (тартиб-интизомни) бузишга қаратилган, ишни (тартиб-интизомни) издан чиқарадиган; бузғунчилик...; дезорганизаторлик...; ~**е де́йствия** бузғунчилик.

ДЕЗОРГАНИЗА́ЦИ/Я *ж* дезорганизация, бузғунчилик; ишни (тартиб-интизомни) бузиш, издан чиқариш; ишнинг, тартиб-интизомнинг бузилиши, издан чиқиши; тартибсизлик, бошбошдоқлик; **вноси́ть** ~**ю** ишни (тартиб-интизомни) бузмоқ, издан чиқариб юбормоқ.

ДЕЗОРГАНИЗОВА́ТЬ, -зу́ю, -зу́ешь *сов.* и *несов.* *кого-что* ишни (тартиб-интизомни) бузмоқ, издан чиқармоқ, бошбошдоқ қилиб юбормоқ.

ДЕЗОРГАНИЗОВА́ТЬСЯ, -зу́ется 1 *сов.* и *несов.* бузилмоқ, издан чиқиб кетмоқ (иш-тартиб, интизом ва ш. к. ҳақида); бебош, бошбошдоқ бўлиб кетмоқ; 2 *несов. страд. от* **дезорганизова́ть.**

ДЕЗОРИЕНТА́ЦИЯ *ж* дезориентация, хато фикр туғдириш, адаштириш, чалғитиш; хато фикрга келиш, адашиш, чалғиш.

ДЕЗОРИЕ́НТИРОВАТЬ *сов.* и *несов.* *кого-что* хато фикр туғдирмоқ, адаштирмоқ, чалғитмоқ, йўлдан оздирмоқ.

ДЕЗОРИЕ́НТИРОВАТЬСЯ 1 *сов.* и *несов.* хато фикрга келмоқ, адашмоқ, чалғимоқ; йўлдан озмоқ; 2 *несов. страд. от* **дезориенти́ровать.**

www.ziyouz.com kutubxonasi

ДЕЙЗМ *м* деизм (худони тан олувчи, лекин унинг табиат тараққиётига дахли йўқ деб билувчи диний-фалсафий таълимот).

ДЕЙСТ *м* деист, деизм тарафдори.

ДЕЙСТИ́ЧЕСКИЙ, -ая, -ое деизмга асосланган, деизм руҳидаги, деистик.

ДЕ́ЙСТВЕНН|ЫЙ, -ая, -ое амалий натижа (фойда) берадиган; таъсир кўрсатадиган, кор қиладиган; амалий; таъсирли, таъсирчан; **~ое сре́дство** фойдали восита; таъсир (кор) қиладиган чора-тадбир (ёки дори-дармон); **~ые ме́ры** амалий чоралар; **~ая кри́тика** амалий танқид.

ДЕ́ЙСТВИ|Е *с* 1 ишлаш, иш, ҳаракат; **привести́ маши́ну в ~е** машинани ишга солмоқ (ҳаракатга келтирмоқ); **коэффицие́нт поле́зного ~я** (КПД) фойдали иш коэффициенти (ФИК); 2 таъсир кучи; таъсир; **~е равно́ противоде́йствию** таъсир акс таъсирга тенг; 3 *мн.* **~я** ҳаракат, уруш, жанг; **вое́нные ~я** уруш ҳаракатлари, жанглар; **теа́тр вое́нных ~й** жанг майдони; 4 амалда жорий бўлиш, қўлланиш, куч; **сохрани́ть своё ~е** ўз кучини сақламоқ; **продли́ть ~е догово́ра** шартномани чўзмоқ; 5 *мн.* **~я** иш, ҳаракат, фаолият; хатти-ҳаракат, кирдикор; **осуди́ть чьи-л. ~я** кимсанинг ишини (хатти-ҳаракатини) қораламоқ; **самово́льные ~я** ўзбошимчалик билан қилинган иш, ҳаракат, ўзбошимчалик; **о́браз ~й** иш усули, тарзи; 6 таъсир; тазйиқ, таъсир этиш, кор қилиш; **~е лека́рства** дорининг таъсири; **благотво́рное ~е** самарали таъсир, яхши таъсир; **ока́зывать своё ~е** таъсир этмоқ; таъсир кўрсатмоқ; кор қилмоқ; **под ~ем** *кого-чего-л.* таъсири остида; таъсири (ёки тазйиқи) билан; 7 воқеа, ҳодиса (адабий асарларда); **~е происходи́ло в Ленингра́де** воқеа Ленинградда содир бўлган эди; 8 парда (драматургия асарларида); **пье́са в четырёх ~ях** тўрт пардали асар; 9 *мат.* амал; **четы́ре ~я арифме́тики** тўрт арифметик амал.

ДЕ́ЙСТВИТЕЛЬНО 1 *нареч.* ҳақиқатда, ҳақиқатан, ҳақиқатан ҳам, ростдан, чиндан; **он ~ оби́делся** у ҳақиқатан ҳам (ростдан, чиндан) хафа бўлди; 2 *в знач. вводн. сл. разг.* дарҳақиқат, дарвоқе; **~, он оказа́лся прав** дарҳақиқат, у ҳақли бўлиб чиқди.

ДЕ́ЙСТВИТЕЛЬНОСТ|Ь *ж* 1 бутун борлиқ, воқелик, мавжудот; **объекти́вная ~ь** объектив воқелик; **социа́льная ~ь** социал воқелик; 2 ҳақиқий ҳол, ҳақиқат; **реа́льная ~ь** реал воқелик, реал ҳақиқат; 3 муҳит, шароит, аҳвол; **совреме́нная ~ь** ҳозирги шароит, ҳозирги аҳвол; 4 ҳақиқийлик, ростлик, чинлик; **~ь докуме́нта** ҳужжатнинг ҳақиқийлиги; ✦ **в ~и** ҳақиқатда, ҳақиқатан.

ДЕ́ЙСТВИТЕЛЬН|ЫЙ, -ая, -ое; -лен, -льна 1 ҳақиқатда мавжуд (бор) бўлган; ҳақиқий, чин, чинакам; **~ый факт** ҳақиқий факт, бор факт; 2 амалий таъсири (фойдаси) бўлган; таъсир, кор қиладиган, амалий, таъсирли, таъсирчан; **~ые ме́ры** амалий чоралар; **~ое сре́дство** фойдали восита; 3 амалдаги, кучини йўқотмаган; жорий, ҳақиқий; **биле́т действи́телен на тро́е су́ток** билет уч суткага ярайди (уч суткагача кучини йўқотмайди); ✦ **~ая слу́жба** *воен.* ҳақиқий ҳарбий хизмат; **~ый член Акаде́мии нау́к** Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси; **~ое число́** *мат.* ҳақиқий сон; **~ый зало́г** *грам.* аниқ даража.

ДЕ́ЙСТВ|ОВАТЬ *несов.* 1 иш (ҳаракат) қилмоқ, иш кўрмоқ, иш тутмоқ; **~овать сообща́** *с кем-л.* келишиб (битишиб) иш қилмоқ; биргаликда ҳаракат қилмоқ; **~овать сообра́зно зако́ну** қонунга мувофиқ иш тутмоқ, қонунга амал қилмоқ; 2 ишламоқ, ишлаб турмоқ; **телефо́н не ~ует** телефон ишламаяпти; 3 *(сов.* **подействовать)** *на кого-что* таъсир қилмоқ; таъсир кўрсатмоқ; кор қилмоқ; тазйиқ қилмоқ (этмоқ, кўрсатмоқ); **лека́рство уже́ не ~ует** дори кор қилмай қўйди; **слова́ на них не ~уют** уларга гап кор қилмайди; **~овать на не́рвы** асабларга таъсир қилмоқ; асабларга тегмоқ; 4 *чем разг.* ишламоқ, иш қилмоқ; **~овать одно́й руко́й** бир қўли билан иш қилмоқ; 5 кучга кирмоқ, жорий бўлмоқ, амалда қўлланмоқ; муомалада бўлмоқ; **зако́н ~ует со дня его́ опубликова́ния** қонун эълон қилинган кунидан бошлаб кучга киради.

ДЕ́ЙСТВУЮЩ|ИЙ, -ая, -ее 1 *прич. от* **де́йствовать; си́ла, ~ая извне** ташқаридан таъсир этувчи куч; 2 *в знач. прил.* амалдаги, муомаладаги, кучга кирган, кучини йўқотмаган; жорий; **~ие зако́ны** амалдаги қонунлар; ✦ **~ее лицо́** 1) *лит.* иштирок этувчи персонаж; 2) иштирокчи, қатнашчи; **~ая а́рмия** ҳаракатдаги армия.

ДЕК *м мор.* дек (усти ёпиқ палуба).

ДЕ́КА *ж* қопқоқ (музика асбоби корпусининг қопқоғи).

ДЕКАБРИ́СТ *м ист.* декабрист; **восста́ние ~ов** декабристлар қўзғолони.

ДЕКА́БР|Ь *м* декабрь; декабрь ойи; **шесто́е ~я** олтинчи декабрь; **шесто́го ~я** олтинчи декабрда; **в ~е** декабрда, декабрь ойида.

ДЕКАБРЬСКИ|Й, -ая, -ое декабрда бўлган (бўладиган); декабрь ойидаги; декабрь...; **~й пле́нум** декабрь пленуми, декабрь ойида бўлган пленум; **~е моро́зы** декабрь совуқлари.

ДЕКАГРА́ММ *м* декаграмм, ўн грамм.

ДЕКА́ДА *ж* 1 декада, ўн кун; **пе́рвая ~ ма́рта** мартнинг биринчи декадаси; 2 декада, ўнкунлик; **~ узбе́кской литерату́ры и иску́сства в Москве́** ўзбек адабиёти ва санъатининг Москвадаги ўнкунлиги; 3 *спец.* декада (ўнта алоқа каналини бирлаштирувчи телефон қурилмаси).

ДЕКАДА́НС *м* 1 *то же, что* **декаде́нтство;** 2 тушкунлик, таназзул, инқироз.

ДЕКАДЕ́НТ *м* декадент (декадентлик оқими намоёндаси).

ДЕКАДЕ́НТСК|ИЙ, -ая, -ое декадентликка ва декадентларга оид; декадентлик руҳидаги; декадентлик...; декадент(лар); **~ая литерату́ра** декадентлик руҳидаги адабиёт.

ДЕКАДЕ́НТСТВО *с* декадентлик (19-аср охири—20-аср бошиларидаги буржуа адабиёти ва санъатида тушкун антиреалистик оқим).

ДЕКА́ДНИК *м разг. то же, что* **дека́да** 2; **~ озелене́ния** кўкаламзорлаштириш ўнкунлиги.

ДЕКА́ДНЫЙ, -ая, -ое бир декадада бўлган (бўладиган), ўн кунлик; декадали; **в ~ срок** ўн кун ичида, ўн кунлик муддатда; ўн кунда.

ДЕКАЛИ́ТР *м* декалитр, ўн литр.

ДЕКАЛЬКИ́РОВАТЬ *сов.* и *несов. что спец.* декалькомания усули билан сурат туширмоқ.

ДЕКАЛЬКОМА́НИЯ *ж спец.* декалькомания (1 қоғоздаги кўп рангли расмни ойна, чинни ёки ёғоч буюмларга тушириш усули; 2 шу усулда туширилган расм).

ДЕКАМЕ́ТР *м* декаметр, ўн метр.

ДЕКА́Н *м* декан; **~ хими́ческого факульте́та** химия факультети декани.

ДЕКАНА́Т *м* деканат; **~ филологи́ческого факульте́та** филология факультети деканати.

ДЕКАТИРОВА́ТЬ, -ру́ю, -ру́ешь *сов.* и *несов. что спец.* декатировка усули билан ишлов бермоқ.

ДЕКАТИРО́ВКА *ж спец.* декатировка, буғлаш (ипак ёки жун газламаларни киришмайдиган қилиш учун буғ ёки қайноқ сув билан ишлов бериш усули).

ДЕКАТИРОВЩИ́К *м* декатировкачи, декатировка қилувчи, буғловчи.

ДЕКАТО́ННА *ж* декатонна, ўн тонна.

ДЕКАЭ́ДР *ж мат.* декаэдр, ўнёқлик.

ДЕКВАЛИФИКА́ЦИЯ *ж* квалификациясини (ҳунарини, ихтисосини) йўқотиш; квалификациянинг (малаканинг) пасайиши.

ДЕКВАЛИФИЦИ́РОВАТЬСЯ *сов.* и *несов.* деквалификация бўлмоқ; квалификациясидан маҳрум бўлмоқ, бирор касб билан шуғулланишдан маҳрум бўлмоқ.

ДЕКЛАМА́ТОР *м* декламатор, декламациячи (бадиий асарни ифодали қилиб ўқиб берувчи санъаткор).

ДЕКЛАМАТО́РСКИЙ, -ая, -ое декламаторга оид; декламаторлик...

ДЕКЛАМАЦИОНН|ЫЙ, -ая, -ое декламацияга оид; декламацион, декламация...; **~ое иску́сство** декламация санъати.

ДЕКЛАМА́ЦИЯ *ж* декламация, ифодали ўқиш.

ДЕКЛАМИ́РОВАТЬ *несов. (сов.* **продеклами́ровать)** декламация қилмоқ, ифодали қилиб ўқиб бермоқ; **~ стихотворе́ние** шеърни ифодали қилиб ўқиб бермоқ.

ДЕКЛАРАТИ́ВНОСТЬ *ж* декларативлик, таштаналилик.

ДЕКЛАРАТИ́ВН|ЫЙ, -ая, -ое; -вен, -вна 1 декларатив,

www.ziyouz.com kutubxonasi

декларациядан иборат бўлган, тантанали; расмий; **~ое заявле́ние** декларатив баёнот; *2 перен. разг.* қуруқ гапдан, сафсатадан иборат бўлган; **все его́ обеща́ния но́сят ~ый хара́ктер** унинг ҳамма ваъдалари қуруқ сафсата.

ДЕКЛАРА́ЦИЯ *ж* декларация (1 тантанали равишда эълон қилинган программа мазмунидаги расмий ҳужжат; **~ прав наро́дов Росси́и** Россия халқларининг ҳуқуқлари ҳақидаги декларация; **правительственная ~** ҳукумат декларацияси; 2 керакли маълумотларни ўз ичига олган баъзи расмий ҳужжатлар номи; **тамо́женная ~** таможня декларацияси; **нало́говая ~** солиқ декларацияси).

ДЕКЛАРИ́РОВАНИЕ *с по гл.* **деклари́ровать.**

ДЕКЛАРИ́РОВАТЬ *сов. и несов. что* декларация қилмоқ; тантанали равишда эълон қилмоқ.

ДЕКЛАССИ́РОВАННЫЙ, -ая, -ое синфсизлашган, ўз синфидан (ижтимоий ҳаётдан) тамоман узилган; тубанликка тушган; **~е элеме́нты** тубанликка тушган унсурлар.

ДЕКЛАССИ́РОВАТЬСЯ *сов.* и *несов.* синфсизлашмоқ, ўз синфидан (ижтимоий ҳаётдан) тамоман узилмоқ; тубанликка тушмоқ.

ДЕКЛИНА́ТОР *м* деклинатор (магнит оғиш бурчагини ўлчайдиган асбоб).

ДЕКЛИНА́ЦИЯ *ж* деклинация (магнит стрелкасининг оғиш бурчаги).

ДЕКОДИ́РОВАНИЕ *с* кодни очиш; кодланган (шифрланган) текстни ўқиш.

ДЕКОДИ́РОВАНН/ЫЙ, -ая, -ое очилган, расшифровка қилинган; **~ое сообще́ние** очилган (расшифровка қилинган) хабар.

ДЕКО́КТ *м уст.* доривор ўт дамламаси.

ДЕКОЛОРА́ЦИЯ *ж* рангсизлантириш, рангини кетказиш.

ДЕКОЛЬТЕ́ *с нескл.* 1 декольте (аёллар кўйлагининг чуқур ўйилган ёқаси ва шундай ёқали кўйлак); *2 в знач. неизм. прил. то же, что* **декольти́рованный** 1; **пла́тье ~** декольте кўйлак.

ДЕКОЛЬТИРОВАНН/ЫЙ, -ая, -ое 1 декольте ёқали; **~ое пла́тье** декольте ёқали кўйлак; 2 декольте ёқали кўйлакдаги, очиқ; **~ая спина́** очиқ (яланғоч) елка.

ДЕКОМПЕНСА́ЦИЯ *ж мед.* компенсациянинг бузилиши, йўқолиши.

ДЕКОМПРЕ́ССИЯ *ж* декомпрессия, компрессиянинг пасайиши, йўқолиши.

ДОКОМПРЕ́ССОР *м* декомпрессор (компрессияни пасайтирувчи мослама).

ДЕКОРАТИ́ВНО-ПРИКЛАДНО́/Й, -а́я, -о́е амалий-декоратив; **вы́ставка ~го иску́сства** амалий-декоратив санъат кўргазмаси.

ДЕКОРАТИ́ВН/ЫЙ, -ая, -ое; -вен, -вна 1 безаш (зебзийнат бериш) учун хизмат қиладиган, декорация учун белгиланган, декоратив, манзарали, зийнатли; декорация...; **~ое иску́сство** декорация санъати; **~ые рабо́ты** декорация ишлари; **~ые расте́ния** манзарали (декоратив) ўсимликлар; 2 савлат бағишлайдиган, савлат (файз) бериш учун қилинган; савлатли; файзли; **~ый вид** савлатли кўриниш; файзли манзара.

ДЕКОРА́ТОР *м* декоратор (1 декорациялар ишловчи рассом; 2 биноларни безовчи уста).

ДЕКОРАЦИОНН/ЫЙ, -ая, -ое декорацияга оид; декорацион; декорация...; **~ое иску́сство** декорация санъати; **~ые мастерски́е** декорация устахонаси.

ДЕКОРА́ЦИ/Я *ж* 1 декорация (саҳна манзарасини ҳосил қилувчи анжом ва безаклар); **писа́ть ~и** декорация чизмоқ (ишламоқ); **~я пе́рвого а́кта** биринчи парда декорацияси; 2 умумий кўриниш, манзара; 3 *перен.* пардаловчи нарса, декорация, юзаки безак (савлат учун ёки нуқсонларни яшириш мақсадида ишланган юзаки безак; усти ялтироқ, ичи қалтироқ нарса).

ДЕКОРИ́РОВАТЬ *сов.* и *несов. что чем* безамоқ, безатмоқ, ясатмоқ; **~ зал цвета́ми** зални гуллар билан ясатмоқ.

ДЕКО́РУМ *м книжн.* юзаки одмигарчилик, сипогарчилик, юзаки одоб; **соблюсти́ ~** юзаки одоб сақламоқ.

ДЕКРЕ́Т *м* 1 декрет (қонун кучига эга бўлган қарор, фармойиш); **Декре́т о ми́ре** Тинчлик ҳақида декрет; *2 разг.* **декрет отпускаси, ҳомиладорлик отпускаси; находи́ться в ~е** декрет отпускасида бўлмоқ.

ДЕКРЕТИ́РОВАТЬ *сов.* и *несов. что* декретлаштирмоқ, декрет билан қонунлаштирмоқ, қонун кучига киритмоқ.

ДЕКРЕ́ТНЫЙ, -ая, -ое декрет билан белгиланган; декрет...; ✦ **~ о́тпуск** декрет отпускаси (декрет билан белгиланган ҳомиладорлик отпускаси).

ДЕКСТРИ́Н *м* декстрин, крахмал моддаси.

ДЕКСТРИ́НОВЫЙ, -ая, -ое декстринли; декстриндан тайёрланган; декстрин...

ДЕ́ЛАННО *нареч.* сунъий равишда, ёлғондан, ясама, сохта, қалбаки; **~ смея́ться** ёлғондан кулмоқ.

ДЕ́ЛАННОСТЬ *ж* сунъийлик, ясамалик, сохталик, қалбакилик; ёлғондакамлик.

ДЕ́ЛАНН/ЫЙ, -ая, -ое сунъий, ясама, сохта, қалбаки; ёлғондакам; **~ый смех** ёлғондакам кулги; **~ая улы́бка** сохта табассум.

ДЕ́ЛАТЬ *несов.* (*сов.* **сде́лать**) **1** *что* қилмоқ, машғул бўлмоқ; бажармоқ, адо, ижро этмоқ; **~ уро́ки** дарс қилмоқ; **~ гимна́стику** гимнастика қилмоқ; **~ по-сво́ему** ўз билганича (иш) қилмоқ; **ничего́ не ~** ҳеч иш қилмаслик; **что мне ~?** мен нима қилай?; мен нима ҳам қилар эдим? қўлимдан нима келарди?; **де́лайте, как зна́ете** билганингизни қилинг; *2 что* ишлаб чиқармоқ, ясамоқ, қилмоқ; **~ станки́** станоклар ишлаб чиқармоқ; *3 что* буюртирмоқ, ясатмоқ, қилмоқ; **~ себе́ пальто́ в мастерско́й** мастерскойда ўзига пальто тиктирмоқ; *4* баъзи отлар билан бирга шу отлардан англашиладиган иш-ҳаракатнинг бажарилишини билдиради; **~ попы́тку** ҳаракат қилиб (уриниб) кўрмоқ; **~ оши́бку** хато қилмоқ; **~ наблюде́ния** кузатмоқ, кузатишлар олиб бормоқ; **~ вы́бор** танламоқ; *5* қилмоқ, кўрсатмоқ; **~ добро́ лю́дям** одамларга яхшилик қилмоқ; **~ любе́зность** илтифот қилмоқ, илтифот кўрсатмоқ; *6 кого-что из кого-чего* қилмоқ, бир аҳволга солмоқ; **~ *из кого-л.* посме́шище** бировни кулги (майна) қилмоқ, кулгили ҳолга солмоқ; *7 кого-что кем-чем* қилмоқ; эриштирмоқ; **~ счастли́вым** бахтли қилмоқ, бахтга эриштирмоқ; **~ несча́стным** бахтсиз қилмоқ; ✦ **~ вид, что...** ўзини бирор куйга солмоқ; ўзинни ... қилиб кўрсатмоқ; **он де́лает вид, что слу́шает** у ўзини қулоқ солаётган қилиб кўрсатяпти; **~ не́чего** *см.* **не́чего** I; **~из му́хи слона́** *см.* **му́ха**; **что ~!** на илож!; **от не́чего ~** бекорчиликдан; **~ честь *кому*** 1) ҳурматламоқ, ҳурмат юзасидан бирор иш қилмоқ, ҳурмат билдирмоқ; **он де́лает мне честь, приглаша́я к себе́** у мени ҳурматлаб, уйига таклиф қилди; у мени ўз уйига таклиф қилиб, менга ҳурмат билдирди; 2) ҳурматини, обрўйини оширмоқ, ҳурмат келтирмоқ; **э́то де́лает ему́ честь** бу унга ҳурмат келтиради; бу унинг ҳурматини (обрўйини) оширади; **э́то не де́лает ему́ че́сти** бу унга ҳурмат келтирмайди, унинг ҳурматини (обрўйини) туширади.

ДЕЛА́ТЬСЯ *несов.* (*сов.* **сде́латься**) **1** бўлмоқ, бўла бошламоқ; **~ться весёлым** хушчақчақ бўлмоқ, очилмоқ; **~ется светло́** кун ёришяпти; **мне ~ется жа́рко** исиб (қизиб) кетяпман; 2 бўлмоқ, воқе (содир) бўлмоқ, юз бермоқ; **что там ~ется?** у ерда нима(лар) бўляпти?; у ерда нима гап?; *3 разг.* пайдо бўлмоқ, ҳосил бўлмоқ; *4 страд. от* **де́лать** 1—4.

ДЕЛЕГА́Т *м* делегат; вакил; **~ы съе́зда** съезд делегатлари.

ДЕЛЕГА́ТКА *ж, р. мн.* **-ток** делегат аёл, делегатка, вакила.

ДЕЛЕГА́ТСКИЙ, -ая, -ое делегатларга ва делегатликка оид; делегатлик...; делегат(лар); **~ манда́т** делегатлик мандати.

ДЕЛЕГА́ЦИ/Я *ж* делегация; делегатлар, вакиллар; **чле́ны ~и** делегация аъзолари; **~я же́нщин** хотин-қизлар делегацияси; **иностра́нная рабо́чая ~я** чет эл ишчилари делегацияси.

ДЕЛЕГИ́РОВАТЬ *сов.* и *несов. кого* делегат (вакил) қилиб юбормоқ; **~ на съезд** съездга делегат қилиб юбормоқ.

ДЕЛЁЖ *м, р.* **-лежа́** *разг.* бўлиб (бўлишиб) олиш; расамад (тақсим) қилиш; **~ добы́чи** ўлжани бўлиб олиш.

ДЕЛЁЖКА *ж разг. то же, что* **делёж.**

www.ziyouz.com kutubxonasi

ДЕЛЕ́НИ/Е *с* 1 бўлиш, бўлиниш; қисмларга, бўлакларга ажралиш, ажратиш; **~е о́бщества на кла́ссы** жамиятнинг синфларга бўлиниши, ажралиши; **~е на две ча́сти** иккига бўлиш (ёки бўлиниш); икки қисмга ажралиш (ёки ажратмоқ); 2 *мат.* бўлиш, бўлиниш (арифметик амал); **~е чи́сел на́ два** сонларнинг иккига бўлиниши; 3 *биол.* бўлиниш, бўлиниб урчиш; **~е кле́тки** ҳужайраларнинг бўлиниши (бўлиниб урчиши); 4 *физ.* бўлиниш, парчаланиш; **~е а́томного ядра́** атом ядросининг бўлиниши (парчаланиши); 5 бўлинма, даража (ўлчов асбобларида); **~я термо́метра** термометр бўлинмалари; **нанести ~я** даражаламоқ, даражаларга бўлмоқ.

ДЕЛЕ́Ц *м, р.* **-льца́** эпчил коммерсант, ишбилармон савдогар, корчалон; **биржевы́е дельцы́** биржа корчалонлари; **тёмные дельцы́** шубҳали ишлар билан шуғулланувчи одамлар, корчалонлар.

ДЕЛИКАТЕ́С *м* таниқ овқат, деликатес.

ДЕЛИКАТЕ́СН/ЫЙ, -ая, -ое таниқ; **~ая ры́ба** таниқ балиқ; балиқдан тайёрланган таниқ овқат.

ДЕЛИКА́ТНИЧАТЬ *несов. разг.* ортиқ даражада мулойим (хушмуомала) бўлмоқ, назокат, одоб сақламоқ; ҳаддан ортиқ мулозамат қилмоқ; **~ с *кем-л.*** кимсага ҳаддан ортиқ мулозамат қилмоқ.

ДЕЛИКА́ТНО *нареч.* хушмуомалалик билан, назокат, одоб билан; мулойимлик қилиб.

ДЕЛИКА́ТНОСТЬ *ж* 1 хушмуомалалик, назокатлилик, одоблилик; мулойимлик; 2 назокат.

ДЕЛИКА́ТНЫЙ, -ая, -ое; -тен, -тна 1 хушмуомала, назокатли, одобли, мулойим; **~ челове́к** хушмуомала одам; 2 *разг.* қалтис, нозик; **~ вопро́с** қалтис (нозик) масала.

ДЕЛИ́КТ *м юр.* деликт (гайри қонуний ҳаракат, жиноят).

ДЕЛИ́МОЕ *с, р.* **-ого** *мат.* бўлинувчи.

ДЕЛИ́МОСТ/Ь *ж* 1 бўлиниш, бўлина олиш; **~ кле́тки** ҳужайранинг бўлина олиши; 2 *мат.* бўлиниш хусусияти (хоссаси); **при́знаки ~и чи́сел на три** сонларнинг учга бўлиниш белгилари.

ДЕЛИТЕ́ЛЬ *м мат.* бўлувчи; **о́бщий наибо́льший ~** энг катта умумий бўлувчи.

ДЕЛИТЕ́ЛЬНЫЙ, -ая, -ое *спец.* бўладиган, бўлиш учун хизмат қиладиган, бўлувчи; бўлиш...; **~ ци́ркуль** бўлиш циркули.

ДЕЛИ́ТЬ, делю́, де́лишь *несов.* 1 *(сов.* **подели́ть** и **раздели́ть**) *кого-что* бўлмоқ, тақсимламоқ, тақсим қилмоқ; бўлакларга, қисмларга ажратмоқ; **~ попола́м** иккига бўлмоқ; арра қилмоқ, **~ хлеб на всех** нонни ҳаммага бўлмоқ (бўлиб бермоқ, бўлиб чиқмоқ); **~ студе́нтов на гру́ппы** студентларни группаларга бўлмоқ (ажратмоқ); 2 *(сов.* **раздели́ть**) *мат.* бўлмоқ, бўлиш амалини бажармоқ; **~ число́ на пять** сонни бешга бўлмоқ; 3 *перен. что с кем* бўлишмоқ, баҳам кўрмоқ, шерикламоқ, ўртоқлашмоқ; **~ *с кем-л.* го́ре и ра́дость** кимса билан ҳамдард бўлмоқ, оғирини ҳам, енгилини ҳам бирга тортмоқ; 4 *(сов.* **разделя́ть**) *что с кем* баҳам кўрмоқ, ўртада фойдаланмоқ; бўлишмоқ; **~ *с кем-л.* после́дние де́ньги** кимса билан охирги тийинини ҳам баҳам кўрмоқ; ✦ **~ не́чего** *кому* талашадиган ҳеч нарса йўқ; талашиш, тортишиш учун ҳеч асос йўқ; талашишнинг (тортишишнинг) ўрни йўқ; **нам ~ не́чего** бизнинг ўртамизда талашадиган ҳеч нарса йўқ; **~ шку́ру неуби́того медве́дя** *см.* **медве́дь.**

ДЕЛИ́ТЬСЯ, делю́сь, де́лишься *несов.* 1 *(сов.* **разделя́ться**) қолдиқсиз бўлинмоқ, тақсимланмоқ; **де́сять де́лится на́ два** ўн иккига бўлинади; **де́вять не де́лится на два** тўққиз иккига бўлинмайди; 2 *(сов.* **подели́ться** и **разделя́ться**) *с кем юр.* бўлиб (бўлишиб) олмоқ, бўлишмоқ (ўртадаги мол-мулк ҳақида); 3 *(сов.* **подели́ться**) *чем с кем* баҳам кўрмоқ, ўртада бирга фойдаланмоқ; бўлишмоқ; **~ *с кем-л.* куско́м хле́ба** бир бурда нонни ҳам (кимса билан) бўлиб емоқ (баҳам кўрмоқ); 4 *(сов.* **подели́ться**) *перен. чем с кем* ўртоқлашмоқ, бўлишмоқ; **~ впечатле́ниями** таассуротлар билан ўртоқлашмоқ (уларни бир-бирига айтиб бермоқ); **~ о́пытом** тажриба билан ўртоқлашмоқ; 5 *перен.* дардлашмоқ, ҳасратлашмоқ, юрагидагини айтмоқ; **~ горём** дард-ҳасратини айтмоқ; 6 *страд. от* **подели́ть** 1.

ДЕЛИ́ШКИ *мн. р.* **-шек** *(ед.* **дели́шко** *с) разг.* иш, юмуш; ишлар; **как ~?** ишлар қалай?; **тёмные ~** шубҳали ишлар.

ДЕ́ЛО *с, мн.* **-а́** 1 иш, юмуш, хизмат; машғулот; **привы́чное ~** оддий (ўрганиш бўлиб қолган) иш; **теку́щие дела́** кундалик ишлар; **дома́шние дела́** уй ишлари (юмушлари); **заня́тся де́лом** иш билан банд (машғул) бўлмоқ; ишга киришмоқ; **быть без де́ла** ишсиз (бекор) бўлмоқ; **приня́ться за ~** ишга киришмоқ; ишни бошлаб юбормоқ; **сиде́ть без де́ла** 1) бекор (ҳеч иш қилмай) ўтирмоқ; 2) бекор (ишсиз) бўлиб қолмоқ, бекор юрмоқ; 2 *кого-чего* иш, вазифа; бурч; **~ воспита́ния молодёжи** ёшларни тарбиялаш иши; **защи́та Оте́чества — ~ всего́ наро́да** Ватанни ҳимоя қилиш бутун халқнинг вазифасидир; **э́то на́ше ~** бу бизнинг ишимиз (вазифамиз, бурчимиз); **~ со́вести** виждон иши; **а мне како́е ~?** менинг нима ишим бор?; менга нима даҳли бор?; менга нима?; 3 зарур иш, зарурат, ҳожат; эҳтиёж; **ходи́ть по де́лу** (зарур) иш билан юрмоқ (бормоқ); **без де́ла не входи́ть!** бекор кирилмасин!; 4 *разг.* муҳим (керакли) иш; муҳим масала, гап; **говори́ть ~** бўладиган ишни (гапни) гапирмоқ; **вот э́то ~!** бу бошқа иш (бошқа гап); бу бошқа масала; 5 иш, соҳа, жабҳа; касб; **го́рное ~** тоғ (кончилик) иши; **вое́нное ~** ҳарбий иш; **изда́тельское ~** нашриёт (чилик) иши; 6 *уст.* иш, касб-кор (савдо-сотиқ ва бошқа ш. к. ишлар); **соли́дное ~** катта иш; 7 иш, воқеа, ҳодиса; **стра́нное ~** қизиқ иш, ажиб воқеа, таажжуб ҳодиса; **~ бы́ло ле́том** бу иш (воқеа-ҳодиса) ёзда бўлган эди; **э́то — ~ про́шлое** бу — ўтиб кетган (аллақачон бўлган) иш; 8 ҳол, аҳвол, вазият, иш; **как дела́?** ишлар қалай?; аҳволлар қалай?; **~ пло́хо** иш (аҳвол) ёмон; 9 иш, хатти-ҳаракат; кирдикор; **до́брое ~** яхши иш, эзгу иш; эзгулик; **э́то — ~ его́ рук** бу унинг иши; бу ундан келган иш; 10 иш (судда кўриладиган ёки ижтимоий ташкилот мажлисида муҳокама қилинадиган иш); **уголо́вное ~** жиноий иш; **персона́льное ~** шахсий иш; **его́ ~ бу́дет слу́шаться за́втра** унинг иши эртага кўрилади; 11 дело (ҳужжатлар мажмуи); **ли́чное ~** шахсий дело; **подши́ть к де́лу** делога тикиб қўймоқ; **сдать дела́** *кому-л.* 1) делоларни кимсага топширмоқ; 2) ишни (вазифасини) кимсага топширмоқ (ўтказмоқ); **па́пка для дел** деполар папкаси; **завести́ ~ *на кого-л.*** 1) кимсага (шахсий) дело очмоқ; 2) *юр.* кимса устидан иш қўзғамоқ; 12 *уст.* жанг, уруш; **он уча́ствовал в де́ле под Моздо́ком** у Моздок бўсағасидаги жанг(лар)да қатнашган; ✦ **челове́к де́ла** ишчан (ишбилармон) одам; **име́ть ~ *с кем*** кимсага иши тушмоқ, бирор иш юзасидан кимса билан яқин муносабатда (муомалада) бўлмоқ; **~ слу́чая** тасодиф иш, тасодифга боғлиқ иш; бирдан-бир бўлиб қоладиган иш; **~ за ва́ми** иш сизга қараб қолди; иш сизга боғлиқ бўлиб қолди; **то ли ~** бошқа гап; бу бошқа гап; **в том-то и ~** гап (масала) шунда-да; **~ идёт о...** гап (масала) ...тўғрисида боряпти; **в чём ~?** *разг.* 1) нима гап?; нима бўлди, ўзи?; 2) хўш, хизмат?; **вот в чём ~!** гап бу ёқда экан!; гап шунда денг!; **~ в том, что...** гап (масала) шундаки...; **всё ~ в э́том** ҳамма гап (масала) шунда; **э́то друго́е ~** бу бошқа гап; бу бошқа масала; **~ в шля́пе** *разг.* иш жойида; **то и ~** ҳадеб; ҳануз; ҳамиша; **в са́мом де́ле** ҳақиқатда, ҳақиқатан (чиндан) ҳам, дарҳақиқат; дарвоқе; **на де́ле** ҳақиқатда, амалда; аслида; **на де́ле убеди́ться** *в чём* амалда (ўз кўзи билан кўриб синаб ва ҳ. к.) ишонч ҳосил қилмоқ; **на де́ле всё оказа́лось ина́че** ҳақиқатда ҳамма иш (нарса) бошқача бўлиб чиқди; **пе́рвым де́лом** биринчи галда, биринчи навбатда, аввало; **ме́жду де́лом** иш орасида; **е́сли ~ косне́тся...** агар иш (масала)...га бориб тақалса; агар иш (гап, масала) шундай бўладиган бўлса; **за ~** бекорга эмас, қилмишига яраша; қилмиш-қидирмиш; **ему́ попа́ло за ~** у қилмишига яраша жазо олди; **к де́лу (бли́же к де́лу)!** қани, мақсадга ўтайлиқчи; **не у дел** или **не при де́ле** (быть находи́ться) ишдан четда бўлмоқ; ишсиз бўлмоқ; **~ (ста́ло)** *за кем-чем* иш...га қараб қолди; **~ ма́стера бои́тся** *погов.* иш эгасидан қўрқади; чумчуқ сўйса ҳам, қассоб сўйсин; **~ деся́тое** *прост.* бу иккинчи (ўнинчи) даражали иш; бунинг унча аҳамияти йўқ; **в де́ле** 1) ишловда; ишга солинган; амалда, ишда фойдаланилмоқда (бўлган); 2) *чего книжн.* ишида, борасида, соҳасида, шабҳасида; **пусти́ть в ~** ишга солмоқ, туширмоқ, жорий қилмоқ; фойдалана бошламоқ,

www.ziyouz.com kutubxonasi

ва́ше (твоё, его́) ~ *разг.* сизнинг ишингиз, хоҳишингиз; билганингизни қилинг; **не ва́ше (твоё, его́)** ~ *разг.* бу сизнинг ишингиз эмас, бунинг сизга дахли йўқ; **не** ~ *разг.* шу ҳам иш бўлдими, бу яхши эмас, ярамайди; **не** ~ **так поступа́ть** бундай қилиш ярамайди; ~ **с концо́м** или **де́лу конец** *прост.* шу билан иш тамом, вассалом!; иш битади-қўяди.

ДЕЛОВИ́ТО *нареч.* ишбилармон одамдек; билимдонлик билан; ишнинг кўзини билиб; жиддий тусда, жиддий.

ДЕЛОВИ́ТОСТЬ *ж* ишнинг кўзини билиш; ишбилармонлик, ишчанлик; ишга пичанлик (чечанлик); жиддийлик.

ДЕЛОВИ́ТЫЙ, -ая, -ое ишнинг кўзини биладиган, ишбилармон, ишчан, уста; ишга пичан (чечан); жиддий; ~**й челове́к** ишбилармон одам; ишчан одам; **с** ~**м ви́дом** ишни ҳаммадан яхши биладиган одамдек; жиддий тус билан, жиддий.

ДЕ́ЛОВ/ОЙ, -а́я, -о́е 1 ишга (хизматга) алоқадор бўлган, иш юзасидан олиб бориладиган; амалий; **ишчанлик**...; ~**ы́е бума́ги** ишга алоқадор хат-ҳужжатлар (ёзишмалар); ~**ы́е разгово́ры** ишга алоқадор гап; иш юзасидан бўлган музокаралар; ~**ы́е ка́чества рабо́тника** ходимнинг ишчанлик қобилияти, ишчанлиги; ~**а́я кри́тика** иш учун фойдали танқид, амалий танқид; ~**а́я обстано́вка** унумли иш шароити; 2 ишнинг кўзини биладиган, ишчан, ишбилармон; ~**о́й челове́к** ишнинг кўзини биладиган одам, ишчан одам; ~**ы́м то́ном** жиддий оҳанг билан, жиддий тусда; 3 савдо-сотиқ, коммерция ишлари билан шуғулланувчи; корчалон; ~**ы́е лю́ди** коммерция аҳли; корчалонлар; ~**ы́е круги́** корчалонлар (коммерсантлар) доираси; 4 *спец.* ишга (нарса ишлаб чиқариш учун) яроқли бўлган; яроқли; ~**о́й лес** ишга яроқли ёғоч-тахта.

ДЕЛОПРОИЗВОДИ́ТЕЛЬ *м* иш юритувчи.

ДЕЛОПРОИЗВОДИ́ТЕЛЬНИЦА *ж* иш юритувчи аёл.

ДЕЛОПРОИЗВО́ДСТВО *с* иш юритиш, ёзув-чизув, ёзишма ишларини олиб бориш.

ДЕ́ЛЬНО *нареч. разг.* ўринли, дуруст, баъмани; ~ **говори́шь!** дуруст айтасан!; дуруст айтдинг!

ДЕ́ЛЬНОСТЬ *ж* ўринлилик, дурустлик; баъманилик.

ДЕ́ЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое 1 ишни дўндирадиган, ўрнига қўядиган; уддабурон; уста; ~**ый рабо́тник** уддабурон ходим; 2 ўринли, дуруст, баъмани; ~**ая мысль** дуруст фикр, баъмани гап; ~**ое предложе́ние** дуруст (баъмани) таклиф; ~**ый сове́т** дуруст (баъмани) маслаҳат.

ДЕ́ЛЬТА I *ж геогр.* дельта (дарёнинг тармоқланган мансаби); ~ **Во́лги** Волга дельтаси.

ДЕ́ЛЬТА II *ж* дельта (грекча ҳарф номи); ✦ ~**-желе́зо** *тех.* дельта-темир; ~**-части́цы** *мн. физ.* дельта-зарралар.

ДЕЛЬТАПЛА́Н *м* дельтаплан.

ДЕЛЬТАПЛАНЕ́РИЗМ *м* дельтапланеризм, дельтапланерларда учиш, дельтапланерчилик.

ДЕЛЬТАПЛАНЕ́РИСТ *м* дельтапланерчи.

ДЕЛЬТАПЛА́НЕРНЫЙ, -ая, -ое дельтапланга ва дельтапланеризмга оид; дельтаплан...; дельтапланерчилик...; ~ **спорт** дельтапланерчилик спорти, дельтапланеризм.

ДЕЛЬТОВИ́ДН/ЫЙ, -ая, -ое дельта шаклидаги, дельтасимон; ~**ая мы́шца** *анат.* дельтасимон мушак.

ДЕЛЬФИ́Н *м* 1 *зоол.* дельфин; 2 *спорт.* дельфинча сузиш.

ДЕЛЬФИ́Н/ИЙ, -ья, -ье дельфинга оид; дельфин...; ~**ья ко́жа** дельфин териси.

ДЕЛЬФИНА́РИЙ *м* дельфинарий (дельфинлар ўрганиладиган ва ўргатиладиган махсус бассейн).

ДЕЛЬФИ́НОВЫЙ, -ая, -ое *то же, что* **дельфи́ний.**

ДЕЛЬФИНО́ЛОГ *м* дельфиншунос.

ДЕЛЮВИА́ЛЬНЫ/Й, -ая, -ое *геол.* делювиал; делювий...; ~**е отложе́ния** делювиал ётқизиқлар.

ДЕЛЮ́ВИЙ *м геол.* делювий (тоғ жинслари тури).

ДЕЛЯГА *м прост.* ишдан бошқани билмайдиган (ёки ишдан фақат манфаат кўзлайдиган) одам; тор амалиётчи.

ДЕЛЯ́НК/А *ж, р. мн.* **-нок** 1 ишлаш (экиш экиш) учун ажратилган ер участкаси, пайкал, майдон; **о́пытная** ~**а** тажриба участкаси; 2 кесиш учун ажратилган ўрмон **участкаси; отвести́** ~ **у под вы́рубку** (ёғоч, дарахт) кесиш учун участка ажратмоқ.

ДЕЛЯ́ЧЕСКИЙ, -ая, -ое тор амалиётчиликка асосланган, тор амалиётчиликдан иборат бўлган; ~ **подхо́д к де́лу** ишга тор амалиётчилик билан қараш (ёндашиш).

ДЕЛЯ́ЧЕСТВО *с* тор амалиётчилик, ишга тор амалиётчилик билан қараш (ёндашиш).

ДЕМАГО́Г *м* демагог, сафсатабоз.

ДЕМАГОги́ЧЕСК/ИЙ, -ая, -ое демагогиядан (сафсатабозликдан) иборат бўлган, демагогик, қуруқ; ~**ая речь** демагогик нутқ, қуруқ гап, сафсата.

ДЕМАГОги́ЧНЫЙ, -ая, ое; -чен, -чна *то же, что* **демагоги́ческий;** ~ **приём** демагогия усули.

ДЕМАГО́ГИ/Я *ж* демагогия (1 қуруқ гап, ваъда билан оммани алдаш, лақиллатиш; сафсатабозлик; ~**я буржуа́зных политика́нов** буржуа сиёсатчиларининг демагогияси; 2 масалага ўз тушунчаси ёки манфаати нуқтаи назаридан қараб айтилган гап, бир томонлама фикр, сафсата; **разводи́ть** ~**ю** бир томонлама гап қилмоқ, сафсата сўқмоқ).

ДЕМАРКАЦИО́ННЫЙ: ~**ая ли́ния** демаркацион чизиқ; демаркация (чегара) чизиғи.

ДЕМАРКА́ЦИЯ *ж* демаркация, чегаралаш, чегарани аниқлаш, белгилаш.

ДЕМА́РШ *м дипл.* демарш, намойишкорона дипломатик ҳаракат, мурожаат; **предприня́ть** ~ демарш билан чиқмоқ, демарш қилмоқ; ~ **посла́ э́лчининг демарши.**

ДЕМАСКИ́РОВА/ТЬ *сов.* и *несов. кого-что* демаскировка қилмоқ, маскировкани бузмоқ ёки олиб ташламоқ; ~**ть объе́кт** объектни демаскировка қилмоқ; **сна́йпер** ~**л себя́** снайпер ўзини билдириб қўйди.

ДЕМАСКИ́РОВКА *ж* демаскировка, маскировкани бузиш ёки олиб ташлаш.

ДЕМИЛИТАРИЗА́ЦИЯ *ж* демилитаризация, қуролсизлантириш, қуролли куч ва ҳарбий саноатдан маҳрум этиш.

ДЕМИЛИТАРИЗО́ВАННЫЙ, -ая, -ое демилитаризация қилинган; қуролсизлантирилган; ~**ая зо́на** демилитаризация қилинган зона.

ДЕМИЛИТАРИЗОВА́ТЬ, -зу́ю, -зу́ешь *сов.* и *несов. кого-что* демилитаризация қилмоқ, қуролсизлантирмоқ, қуролли куч ва ҳарбий саноатдан маҳрум этмоқ.

ДЕМИСЕЗО́ННЫЙ, -ая, -ое: ~**ое пальто́** демисезон пальто, енгил (баҳорги, кузги) пальто.

ДЕМИУ́РГ *м* 1 *филос.* илоҳий куч, илоҳ, худо; 2 *перен.* яратувчи куч, ижодкор куч, ижодкор.

ДЕМОБИЛИЗАЦИО́ННЫЙ, -ая, -ое 1 демобилизацион; демобилизация...; ~**ый план** демобилизация плани; 2 *перен.* сафарбарлик руҳини пасайтирадиган; ~**ое настрое́ние** демобилизация кайфияти, сафарбарлик руҳининг бўшашуви.

ДЕМОБИЛИЗА́ЦИЯ *ж* демобилизация (1 демобилизация қилиш, ҳарбий хизматдан бўшатиш; ~ **рядово́го соста́ва** оддий аскарлар составини демобилизация қилиш, хизматдан бўшатиш; ~ **а́рмии** армияни демобилизация қилиш; 2 тинчлик ҳолатига ўтказиш; ~ **промы́шленности** саноатни тинчлик ҳолатига ўтказиш).

ДЕМОБИЛИЗО́ВАННЫЙ, -ая, -ое 1 *прич.* **от демобилизова́ть;** 2 *в знач. прил.* демобилизация қилинган; ҳарбий хизматдан бўшатилган; 3 *в знач. сущ.* ~**ый** *м* демобилизация қилинган шахс, ҳарбий хизматдан бўшаган одам.

ДЕМОБИЛИЗОВА́ТЬ, -зую, -зу́ешь *сов.* и *несов. кого-что* 1 демобилизация қилмоқ, ҳарбий хизматдан бўшатмоқ; 2 демобилизация қилмоқ, тинчлик ҳолатига ўтказмоқ.

ДЕМОБИЛИЗОВА́ТЬСЯ, -зу́юсь, -зу́ешься 1 *сов.* и *несов.* демобилизация бўлмоқ, ҳарбий хизматдан бўшамоқ; 2 *несов. страд. от* **демобилизова́ть.**

ДЕМОГРА́Ф *м* демограф, аҳолишунос.

ДЕМОГРА́ФИЧЕСК/ИЙ, -ая, -ое демографияга оид; демографик; демография...; ~**ое иссле́дование** демографик тадқиқот; ~**ая стати́стика** аҳоли статистикаси.

ДЕМОГРА́ФИЯ *ж* демография, аҳолишунослик.

ДЕМОКРА́Т *м* демократ (1 демократия тарафдори; 2 демократик партия аъзоси; 3 *уст.* халқпарвар).

ДЕМОКРАТИЗА́ЦИЯ *ж* демократизация, демократлаштириш, демократлашиш.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ДЕМОКРАТИЗИРОВАТЬ *св.* и *несов. что* демократлаштирмоқ, демократик асосда қайта қурмоқ.

ДЕМОКРАТИЗИРОВАТЬСЯ *сов.* и *несов.* демократлашмоқ; 2 *несов.* демократлаштирилмоқ, демократик асосда қайта қурилмоқ.

ДЕМОКРАТИЗМ *м* демократизм (1 демократия принципининг амалга ошуви; **сове́тский** ~ совет демократизми; 2 *уст.* демократлик, халқпарварлик).

ДЕМОКРАТИЧЕСКИЙ, -ая, -ое 1 демократияга асосланган, демократия асосида қурилган, демократик; демократия...; **~ий централи́зм** демократик централизм; **~ие права́** демократик ҳуқуқлар; **~ая респу́блика** демократик республика; 2 халқ оммасига, халққа яқин, ҳамнафас ёки хос бўлган; одамий, содда, халқпарвар; демократия...; **~ие си́лы** демократия кучлари; халқпарвар кучлар; **~ий о́браз жи́зни** халқ оммасига хос (демократик) турмуш тарзи.

ДЕМОКРАТИ́ЧНОСТЬ *ж* халқ оммасига мослик, яқинлик, соддалик; халқпарварлик.

ДЕМОКРАТИ́ЧНЫЙ, -ая, -ое; -чен, -чна халқ оммасига мос, яқин бўлган, одамий, содда, халқпарвар.

ДЕМОКРА́ТИ/Я *ж* 1 демократия, халқ ҳокимияти (ҳокимият халқ қўлида бўлган тузум); **сове́тская ~я** совет демократияси; **стра́ны наро́дной ~и** халқ демократияси мамлакатлари; 2 демократия, демократик давлат; **анти́чные ~и** антик демократия давлатлари; 3 демократия (барчанинг тенг ҳуқуқлилиги ва активлигини таъминловчи коллектив фаолият усули); **внутрипартийная ~я** партия ички демократияси; **профсою́зная ~я** касаба союзлари демократияси.

ДЕ́МОН *м* иблис, шайтон; жин (христианлар мифологиясида).

ДЕМОНИ́ЧЕСК/ИЙ, -ая, -ое 1 иблисга (шайтонга) оид; иблисона...; 2 *перен.* ўтакетган ёвуз, жоҳил, иблис; **~ая нату́ра** ўтакетган ёвуз табиатли одам.

ДЕМОНСТРА́НТ *м* намойишчи, демонстрант.

ДЕМОНСТРАТИ́ВНО *нареч.* намойишкорона, очиқдан-очиқ, ҳамманинг кўз ўнгида, алайно-ошкор; **~ поки́нуть собра́ние** мажлисни намойишкорона ташлаб чиқиб кетмоқ; **~ отверну́ться** *от кого-л.* кимсадан намойишкорона юз ўгирмоқ.

ДЕМОНСТРАТИВН/ЫЙ, -ая, -ое; -вен, -вна 1 очиқдан-очиқ (ҳамманинг кўз ўнгида) қилинган, намойишкорона; **~ый ухо́д** намойишкорона ташлаб (чиқиб) кетиш; **~ый отка́з** намойишкорона бош тортиш; намойишкорона рад этиш; 2 кўрсатмали; аёний; **~ый ме́тод преподава́ния** кўрсатмали ўқитиш методи; 3 *воен.* чалғитиш учун қилинган; чалғитувчи; **~ая перебро́ска войск** душманни чалғитиш учун қўшинларни алайно-ошкор кўчириш.

ДЕМОНСТРА́ТОР *м* демонстратор, намойиш қилувчи, кўрсатувчи; **~ маши́н на промы́шленной вы́ставке** саноат кўргазмасида машиналарни намойиш қилувчи.

ДЕМОНСТРАЦИО́ННЫЙ, -ая, -ое демонстрация (кўрсатиш) учун хизмат қиладиган, намойиш учун белгиланган; демонстрация...; намойиш...; **~ зал** демонстрация зали.

ДЕМОНСТРА́ЦИ/Я *ж* 1 намойиш; **пра́здничная ~я** байрам намойиши; **Первома́йская ~** Биринчи май намойиши; **~я проте́ста** норозилик намойиши; 2 демонстрация, намойиш қилиш, кўрсатиш; **~я кинофи́льма** кинофильм(ни) кўрсатиш; **~я мод** модаларни кўрсатиш; 3 ошкор кўриниш, намоён бўлиш, намойиш; **~я сове́тского патриоти́зма** совет ватанпарварлигининг намоён бўлиши; совет ватанпарварлигининг намойиши; 4 *воен.* чалғитувчи маневр; 5 норозилик намойиши; норозилик билдириш; **устро́ить ~ю** *кому-л.* намойиш қилиб норозилик билдирмоқ.

ДЕМОНСТРИ́РОВАТЬ *сов.* и *несов.* 1 намойиш қилмоқ, намойиш қилиб ўяқмоқ; намойишда қатнашмоқ; 2 *кого-что* намойиш қилмоқ, кўрсатмоқ; **~ но́вый кинофи́льм** янги кинофильм(ни) кўрсатмоқ; **~ свою́ во́лю** ўз иродасини кўрсатмоқ (намойиш қилмоқ).

ДЕМОНТА́Ж *м* демонтаж; демонтаж қилиш, қисмларга ажратиш.

ДЕМОНТИ́РОВАТЬ *сов.* и *несов. что* демонтаж қилмоқ, қисмларга ажратмоқ; **~ электроста́нцию** электр станцияни демонтаж қилмоқ.

ДЕМОРАЛИЗА́ЦИЯ *ж* 1 интизомнинг, жанговар руҳнинг йўқолиши (ёки йўқотилиши); тушкунлик кайфияти; бузғунлик; **~ а́рмии проти́вника** душман армиясида тушкунлик кайфияти; 2 маиший (маънавий) бузилиш, бузуқлик, разолат.

ДЕМОРАЛИЗО́ВАННЫЙ, -ая, -ое 1 *прич. от* **деморализова́ть**; 2 *в знач. прил.* интизомсизлик (тушкунлик) кайфиятига келган; тушкунликдаги, интизомсиз, бузғун, тушкун.

ДЕМОРАЛИЗО́ВАТЬ, -зу́ю, -зу́ешь *сов.* и *несов. кого-что* интизомсизлик (тушкунлик) кайфиятига келтирмоқ (туширмоқ), тушкунликка солмоқ, бузмоқ.

ДЕ́МОС *м книжн.* демос, халқ.

ДЕ́МПИНГ *м эк.* демпинг (чет эл бозорларида молни арзон сотиш).

ДЕМПИНГО́ВЫ/Й, -ая, -ое *эк.* демпинг билан боғланган; демпинг...; **~е це́ны** демпинг билан боғлиқ, арзон баҳолар.

ДЕ́МПФЕР *м спец.* демпфер (тебранишни пасайтирувчи ёки ютувчи асбоб, қурилма).

ДЕМУНИЦИПАЛИЗА́ЦИЯ *ж юр.* демуниципализация, эгасига (эгаларига) қайтариш (муниципализация қилинган мол-мулкни).

ДЕМУНИЦИПАЛИЗИ́РОВАТЬ *сов.* и *несов. что юр.* демуниципализация қилмоқ, эгасига (эгаларига) қайтармоқ.

ДЕНАТУРАЛИЗА́ЦИЯ *ж юр.* денатурализация, гражданликдан маҳрум этиш (чиқариш); граждандикдан воз кечиш.

ДЕНАТУРАЛИЗО́ВАННЫЙ, -ая, -ое *юр.* гражданликдан воз кечган ёки маҳрум этилган.

ДЕНАТУРАЛИЗОВА́ТЬ, -зу́ю, -зу́ешь *сов.* и *несов. кого-что юр.* гражданликдан чиқармоқ, маҳрум этмоқ.

ДЕНАТУРАЛИЗОВА́ТЬСЯ *юр.* 1 *сов.* и *несов.* гражданликдан чиқмоқ, воз кечмоқ; 2 *несов. страд. от* **денатурализова́ть.**

ДЕНАТУРА́Т *м* денатурат (денатурация қилинган, айнитилган спирт).

ДЕНАТУРА́ЦИЯ *ж спец.* денатурация(лаш), айнитиш; **~ спи́рта** спиртни денатурация(лаш), айнитиш (ичиб, истеъмол қилиб бўлмайдиган қилиш); **~ белко́в** оқсил моддаларни айнитиш.

ДЕНАТУРИ́РОВАННЫЙ, -ая, -ое денатурацияланган, айнитилган (ичиб, истеъмол қилиб бўлмайдиган ҳолга келтирилган; **~ спирт** *то же что* **денатура́т.**

ДЕНАТУРИ́РОВАТЬ *сов.* и *несов. что спец.* денатурацияламоқ, айнитмоқ (ичиб, истеъмол қилиб бўлмайдиган ҳолга келтирмоқ).

ДЕНАЦИОНАЛИЗА́ЦИЯ *ж* денационализация (1 миллий хусусиятларни йўқотиш; 2 денационализация қилиш, национализация қилинган мол-мулкни эгасига, эгаларига қайтариш).

ДЕНАЦИОНАЛИЗИ́РОВАТЬ *сов.* и *несов. что* денационализация қилмоқ, эгасига (эгаларига) қайтармоқ.

ДЕНАЦИФИКА́ЦИЯ *ж* денацификация, фашизмни, нацизмни йўқотиш (собиқ фашизм мамлакатларида).

ДЕНАЦИФИЦИ́РОВАТЬ *сов.* и *несов. что* денацификация қилмоқ, нацизмни, фашизмни йўқ қилмоқ.

ДЕ́НДИ *м нескл.* олифта, башанг, пўрим.

ДЕНДРА́РИЙ *м* дендрарий (фақат дарахт ва буталар тўпланган ботаника боғи).

ДЕНДРИ́Т *м* дендрит (1 *анат.* нерв ҳужайрасининг дарахтсимон тармоқланган ўсимтаси; 2 *мин.* дарахтсимон тармоқланган кристалл).

ДЕНДРОЛОГИ́ЧЕСКИЙ, -ая, -ое дендрологияга оид; дендрологик; дендрология...; **~ парк** дендрология парки.

ДЕНДРОЛО́ГИЯ *ж* дендрология (ботаниканинг дарахт ва буталар ҳақидаги бўлими).

ДЕНЕ́ЖК/А *ж, р. мн.* **-жек** 1 *разг.* муллажиринг, пул, ақча, жиринг чақа; **~и счёт лю́бят** пул деган нарса ҳисобкитобни талаб қилади; 2 қадимги ярим тийинлик чақа; ✦ **пла́кали мои ~и** пулларим йиғлаб кетди, эсизгина пулларим; **не ста́вить ни в грош ни в ~у** ярим чақага ҳам олмаслик, ҳеч нарсага арзимаслик.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ДЕНЕЖНО-ВЕЩЕВ/ОЙ: ~áя лотерéя пул-буюм лотереяси.

ДЕНЕЖН/ЫЙ, -ая, -ое 1 пулга оид; пулли; пул...; **~ая рефóрма** пул ислоҳоти; **~ые срéдства** пул маблағлари; **~ый знак** қоғоз пул; **~ое вознаграждéние** пул билан мукофотлаш; пул билан берилган мукофот (ёки ҳақ); в **~ом выражéнии** пул билан ифодаланганда; 2 *разг.* пули кўп, серпул, пулдор; ҳамёни катта; **~ый человéк** пулдор одам.

ДЕНЁК *м, р.* **-нькá** *уменьш.-ласк. от* **день** 1, 2.

ДЕНЕЧЕК *м, р.* **-чка** *то же, что* **денёк.**

ДЕННИК *м, р.* **-á** *обл.* оғилхона, молхона, оғил.

ДЕННИЦА *ж уст. поэт.* тонг ёруғи; тонг шафағи; шафақ; субҳидам.

ДЕННО *нареч.*: **~ и нóшно** *разг.* эртаю кеч, кечаю кундуз, туну кун; эртани эрта, кечани кеча демасдан, тинмай, тинимсиз; **рабóтать ~и нóшно** кечаю кундуз ишламоқ, тинмай ишламоқ.

ДЕННОЙ, -áя, -óе *уст. то же, что* **дневнóй** 1.

ДЕНОМИНАЦИЯ *ж эк. фин.* деноминация, пул қийматини ўзгартириш.

ДЕНОНСАЦИЯ *ж дипл.* денонсация, бекор деб эълон қилиш (давлатлараро шартномаларни).

ДЕНОНСИРОВАНИЕ *с дипл. то же, что* **денонсáция; ~ договóра** шартномани бекор деб эълон қилиш.

ДЕНОНСИРОВАТЬ *сов.* и *несов. что дипл.* денонсация қилмоқ, бекор деб эълон қилмоқ; **~ договóр** шартномани бекор деб эълон қилмоқ.

ДЕНЩИК *м, р.* **-á** денщик, навкар (чор армиясида: офицер хизматидаги солдат).

ДЕНЬ *м, р.* **дня** 1 кун; кундуз кун; **сóлнечный ~** қуёшли (қуёш чиқиб турган, ҳаво очиқ) кун; **пáсмурный ~** ҳаво булут кун; **пéрвый ~ недéли** ҳафтанинг биринчи куни; **бýдний ~** бегим куни; **рабóчий ~** иш куни; **~ отдыха (выходнóй ~)** дам олиш куни; **весь (цéлый) ~** бутун кун, кун бўйи; эрталабдан кечгача; **в течéние дня** кун бўйи, бир кун ичида, кун давомида; **цéлыми днями** кунлаб; куни билан, уззу (узун) кун; бир неча кун давомида; **два рáза в ~** кунига (бир кунда) икки марта; **кáждый ~** ҳар куни; **нá пять дней** беш кунга; **на два дня** икки кунга; **через ~** 1) кун оша, икки кунда бир марта; 2) бир кун ўтгандан кейин, орадан бир кун ўтгач; индинига; **за одúн ~** или **зá ~ бúр** кунда; **нéсколько дней тому́ назáд** бундан бир неча кун олдин; **по сей ~** шу кунгача, шу кунга қадар, ҳануз, ҳали ҳам; **сегóдняшний ~** бугунги кун; бугун; **с сегóдняшнего дня** бугундан бошлаб (эътиборан); **вчерáшний ~** кечаги кун; кеча; **со вчерáшнего дня** кечадан бошлаб, кечадан бери; **зáвтрашний ~** эрталаги кун, эрта; эртаси; **~ пути́** бир кунлик йўл; 2 куну тун, бир кечаю бир кундуз, бир сутка; **дни бегýт** кунлар ўтмоқда; **óтпуск на три дня** уч кунлик отпуска; **остáлись счúтанные (немнóгие) дни** саноқли кунлар қолди; оз вақт қолди; 3 *чего* кун (тарихий сана); **День печáти** Матбуот куни; **День Побéды** Ғалаба куни; **~ рождéния** туғилган кун, 4 *мн.* **дни** чоғ, пайт, вақт; давр, кунлар; **в дни моéй ю́ности** ёшлигимда, ёшлик пайтимда (чоғларимда); **в дни войны́** уруш вақтида, уруш бўлаётган кунларда; ✦ **в одúн прекрáсный ~** 1) кунлардан бир кун; 2) бир кун эмас, бир кун; ахир бир кун; **не пéрвый ~** биринчи кун эмас, биринчи марта эмас; **нá ~** бир кунга; **на дню** *разг.* кун давомида, бутун кун; **ясно как ~** оппоқ-ойдин (очиқ-ойдин, равшан) кўриниб турибди; **изо дня в ~** ҳар куни, доим; **~ото дня** кундан-кунга, кун сайин; тобора; **откла́дывать со дня нá ~** эрта-индин деб бошқа кунга кўчиравермоқ, эрта-индин деб орқага судрамоқ; **ждать** *кого-л.* **со дня нá ~** бугун эрта келиб қолар деб кутиб турмоқ, кўз тутиб ўтирмоқ; **трéтьего дня** ўтган куни; **на днях** яқинда, шу кунларда; бугун-эрта; **в ближáйшие дни** яқинда, яқин кунларда; **~ в ~** худди айтган (белгиланган) куни; бир кун ҳам кечикмай (кечиктирмай); **~ зá ~** ҳар куни бир хил; ўзгаришсиз; **~ за днём** кун ортидан кун; **средь бéла дня** куппа-кундуз куни; **дни сочтены́** *чьи* саноқли кунлари қолди; умри тугаб қолди.

ДЕНЬГ/А *ж собир. прост.* пул, ақча; **зашибáть ~ý** пул топмоқ; пул ишламоқ.

ДЕНЬГИ *мн., р.* **дéнег** 1 пул, ақча; **бумáжные ~** қоғоз пул; **крýпные ~** йирик пул; **мéлкие ~** майда пул; майда; **за ~** пулга, пул бараварига; пул учун; **остáться без дéнег** пулсиз қолмоқ; 2 пул, маблағ; **бóльшие ~** катта пул, катта маблағ; **он не при деньгáх** *разг.* унинг пули (маблағи) йўқ; ✦ **ни за какúе ~** бошдан зар сочганда ҳам; ҳеч қачон, сира, асло; **карма́нные ~** *см.* **карма́нный; бéшеные ~** *см.* **бéшеный; бросáть ~ на вéтер** *см.* **бросáть; на мéдные ~** *см.* **мéдный.**

ДЕНЬЖАТА *мн. прост.* муллажиринг, пул, ақча.

ДЕНЬЖОНКИ *мн., р. мн.* **-нок** *прост.* пул, пулжон.

ДЕНЬСКОЙ: день-~ *разг.* кун бўйи, бутун кун; эртадан кечгача; тинимсиз.

ДЕПАРТАМЕНТ *м* 1 департамент, бўлим (чор Россияси ва баъзи бошқа мамлакатларнинг министрликларида); 2 департамент, маъмурий территориал округ (Францияда); 3 департамент, министрлик (АҚШда); **государственный ~** давлат департаменти.

ДЕПАРТАМЕНТСКИЙ, -ая, -ое департаментга оид; департамент..

ДЕПЕША *ж* 1 *уст.* телеграмма; 2 денеша, ошиғич дипломатик мактуб, хат-хабар, нома.

ДЕПО *с нескл.* депо; **паровóзное ~** паровозлар депоси; **трамвáйное ~** трамвай депоси, **пожáрное ~** ўт ўчирувчилар депоси.

ДЕПОВСКИЙ, -ая, -ое *прост.* депога оид; депо...

ДЕПОЗИТ *м фин.* депозит (сақлаш ёки бошқа бирор мақсад билан банкка қўйилган пул, маблағ ва ш. к.); **сдать невы́плаченную зарпла́ту в ~** тўланмаган иш ҳақини депозитга топширмоқ.

ДЕПОЗИТН/ЫЙ, -ая, -ое *фин.* депозитга оид; депозит...; **~ая квита́нция** депозит квитанцияси.

ДЕПОЗИТОР *м фин.* депозитор (депозитга пул қўйган шахс, идора ва ш. к.).

ДЕПОЛЯРИЗАЦИЯ *ж физ.* деполяризация, қутбсизланиш; қутбсизлаш.

ДЕПОНЕНТ *м фин.* депонент (1 *то же, что* **депозúтор;** 2 пули, иш ҳақи депозитга ўтказилган киши).

ДЕПОНЕНТСКИЙ, -ая, -ое *фин.* депонентга оид; депонент(лар)...; **~ счёт** депонент(лар) счёти.

ДЕПОНИРОВАНИЕ *с по гл.* **депони́ровать.**

ДЕПОНИРОВАТЬ *сов.* и *несов.* 1 *фин.* депозитга қўймоқ (ўтказмоқ); 2 *юр.* сақлаш учун топширмоқ (ратификация ёрлиғини).

ДЕПРЕССИВН/ЫЙ, -ая, -ое; -вен, -вна 1 депрессив; турғунлик (депрессия) ҳолатидаги; депрессия...; **~ый пери́од в промы́шленности** саноатда депрессия (турғунлик) даври; 2 депрессив; руҳий сиқилиш...; **~ое состоя́ние** депрессив (руҳий сиқилиш, зиқлик) ҳолати; депрессия.

ДЕПРЕ́ССИ/Я *ж* 1 депрессия, турғунлик; **пери́од ~и в стра́нах капита́ла** капитал мамлакатларида депрессия (турғунлик) даври; 2 депрессия, оғир руҳий кайфият; руҳий сиқилиш ҳолати; зиқлик; **состоя́ние ~и** депрессия ҳолати.

ДЕПУТАТ *м* 1 депутат; **~ городско́го сове́та** шаҳар совети депутати; **сове́ты наро́дных ~ов** халқ депутатлари совети; **пала́та ~ов** депутатлар палатаси; 2 депутат, вакил; **~ы сторо́н** томонларнинг депутатлари (вакиллари).

ДЕПУТА́ТКА *ж, р. мн.* **-ток** депутат аёл, депутатка.

ДЕПУТАТСКИЙ, -ая, -ое депутатга ва депутатликка оид; депутат...; депутатлик...; **~ий мандáт** депутатлик мандати; **~ая неприкоснове́нность** депутат(лар)нинг дахлсизлиги.

ДЕПУТАЦИ/Я *ж* депутация, депутатлар, вакиллар; **~я учёных** олимлар депутацияси; **принять ~ю** депутацияни (депутатларни, вакилларни) қабул қилмоқ.

ДЕР: задáть (дать) дёру *прост.* қочмоқ, қочиб қолмоқ, қочиб кетмоқ, жуфтакни ростламоқ.

ДЕРАТИЗАЦИЯ *ж спец.* дератизация, қириш, йўқ қилиш (кемирувчи зараркунандаларни).

ДЕРБИ *с нескл. спорт.* дерби (дўнанлар, уч яшар отлар пойгаси).

ДЕРВИШ и **ДЕРВИШ** *м* дарвеш, қаландар.

ДЕРГ *межд. в знач. сказ. прост.* силтаб тортди; **он меня ~ за рукáв** у мени енгимдан силтаб тортди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ДЁРГА/ТЬ *несов.* 1 (*сов.* **дёрнуть**) *кого-что за что* силтамоқ, силтаб тортмоқ; **~ть за рука́в** енгидан силтаб тортмоқ; 2 *что разг.* силтаб суғуриб олмоқ; суғуриб ташламоқ; юлмоқ; суғуртирмоқ; **~ть зуб** тиш(и)ни суғурмоқ; тишни суғуртирмоқ; **~ть лён** зиғир юлмоқ; 3 (*сов.* **дёрнуть**) *разг.* учмоқ, пирпирамоқ; 4 *кого-что* силтамоқ, ҳадеб (бекорга) қойилвермоқ, урушавермоқ, ранжитмоқ; кун бермаслик, рангини чиқармаслик; 5 *безл. кого-что* қалтирамоқ, титрамоқ; **его́ всего́ ~ет** унинг бутун вужуди қалтираяпти.

ДЁРГА/ТЬСЯ *несов.* (*сов.* **дёрнуться**) қалтирамоқ, титрамоқ; учмоқ; **~ться всем те́лом** бутун вужуди қалтирамоқ; **у меня́ глаз ~ется** кўзим учяпти; 2 *страд. от* **дёргать** 2.

ДЕРГА́Ч I *м, р.* **-а́** *то же, что* **коросте́ль.**

ДЕРГА́Ч II *м, р.* **-а́** мих суғургич, мих суғурадиган асбоб.

ДЕРЕВЕНЕ́/ТЬ *несов.* (*сов.* **задеревене́ть** и **одеревене́ть**) қотмоқ, қотиб қолмоқ; увишмоқ; **па́льцы ~ют от хо́лода** совуқдан бармоқлар қотиб қоляпти.

ДЕРЕВЕ́НСКИЙ, -ая, -ое қишлоққа хос бўлган, қишлоқдаги; қишлоқлик, қишлоқи; қишлоқ...; **~ий жи́тель** қишлоқда яшовчи киши, қишлоқлик, қишлоқи; **~ая жизнь** қишлоқ ҳаёти.

ДЕРЕВЕ́НЩИНА *м* и *ж уст. прост.* қишлоқда ўсган содда, кўпол одам, қишлоқи, тўпори.

ДЕРЕВЕ́НЬКА *ж, р. мн.* **-нек** *уменьш. -ласк. от* **дере́вня** 1 кичкина қишлоқ, қишлоқча.

ДЕРЕ́ВНЯ *ж, р. мн.* **-ве́нь** 1 қишлоқ; **но́вая колхо́зная ~ня** янги колхоз қишлоғи; 2 қишлоқ жой ва унинг аҳолиси; **электрифика́ция ~е́нь** қишлоқларни (қишлоқ жойларни) электрлаштириш; **уничтоже́ние разли́чий ме́жду го́родом и ~не́й** шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги тафовутни йўқотиш; ✦ **на ~ню де́душке** номаълум адресга; **олимпи́йская ~ня** олимпия қишлоғи (олимпия ўйинлари қатнашчилари учун белгиланган махсус шаҳарча).

ДЕРЕ́В/О *с, мн.* **дере́вья** 1 дарахт; **хво́йные и ли́ственные дере́вья** игнабаргли ва япроқли дарахтлар; **фрукто́вые дере́вья** мевали дарахтлар; 2 ёғоч; ёғоч-тахта; **ме́бель оре́хового ~а** ёнғоқ тахтасидан ишланган мебель; **резьба́ по ~у** ёғоч буюмларга нақш ўйиш; ёғоч буюмлардаги ўйма нақш; ✦ **родосло́вное ~о** *то же, что* **родосло́вное дре́во** *см.* **дре́во; за дере́вьями не ви́деть ле́са** (*л. м.* дарахтларни кўриб, уларнинг орқасидаги ўрмонни кўрмаслик) *соотв.* бурундан нарини кўрмаслик.

ДЕРЕВООБДЕ́ЛОЧНИК *м* ёғоч ишловчи ишчи, мутахассис; ёғочсоз.

ДЕРЕВООБДЕ́ЛОЧНЫЙ, -ая, -ое ёғоч ишловчи, ёғоч буюмлар ишлаб чиқарадиган; ёғоч ишлаш...; ёғочсозлик...; **~ цех** ёғочсозлик цехи; **~ стано́к** ёғоч ишлаш станоги.

ДЕРЕВООБРАБА́ТЫВАЮЩИЙ, -ая, -ее ёғоч ишловчи; ёғочга ишлов берадиган; ёғоч-тахта тайёрлайдиган; ёғоч ишлаш...; ёғочсозлик...; **~ая промы́шленность** ёғочсозлик саноати; **~ие станки́** ёғоч ишлаш станоклари.

ДЕРЕВООБРАБО́ТКА *ж* ёғоч ишлаш, ёғоч буюмларга ишлов бериш; ёғоч-тахта тайёрлаш.

ДЕРЕВУ́ШКА *ж, р. мн.* **-шек** *уменьш. от* **дере́вня** кичкина қишлоқ, қишлоқча.

ДЕ́РЕВЦЕ и **ДЕРЕВЦО́** *с, мн.* **-а́**, *р.* **-ве́ц** ёш (ёки кичкина) дарахт, дарахтча.

ДЕРЕВЯ́НИСТЫЙ, -ая, -ое 1 ёғочга ўхшаш, ёғочсимон; **~ое строе́ние вещества́** модданинг ёғочсимон тузилиши; 2 *перен.* қаттиқ, берч; эркаклаган; **~ая морко́вь** эркаклаган сабзи.

ДЕРЕВЯ́ННЫЙ, -ая, -ое 1 ёғочдан ясалган (ишланган, қилинган); ёғочдан олинган; ёғоч...; **~ая ло́жка** ёғоч қошиқ; **~ые конструкции** ёғоч конструкциялар; 2 *перен.* ҳаракатсиз қотган; ўлик, жонсиз; **~ое лицо́** ҳаракатсиз (қотган) чеҳра, ўлик чеҳра; ✦ **~ое ма́сло** паст навли зайтун мойи.

ДЕРЕВЯ́ШКА *ж, р. мн.* **-шек** 1 ёғоч парчаси; бир парча ёғоч; тараша; 2 *перен.* бировга ачинишни, раҳм-шафқатни билмайдиган, бепарво одам; 3 *разг.* ёғоч оёқ, протез.

ДЕРЖАВ|А *ж* 1 давлат; мамлакат; **вели́кие ~ы** буюк давлатлар; **Сове́тская ~а** Совет давлати; **морска́я ~а** денгиз мамлакати; 2 *высок. уст.* олий ҳокимият, ҳукмронлик; 3 *ист.* крест шаклли солинган олтин шар (монарх ҳокимиятининг рамзий белгиси).

ДЕРЖАВН|ЫЙ, -ая, -ое 1 *уст.* олий ҳокимият эгаси, ҳукмдор, ҳукмрон, ҳоким; **~ый влады́ка** олий ҳокимиятга эга бўлган ҳукмрон, 2 *перен.* қудратли; улуғвор; **Невы́ ~ое тече́нье...** (Пушкин) Неванинг қудратли оқими.

ДЕРЖАТЕЛ|Ь *м* 1 қимматли қоғоз, акция ва ш. к. эгаси; **~и а́кций** акция(лар) эгаси, акциядорлар; 2 тутқич; қисқич; **~ь резца́** кескич тутқичи; **~ь для бума́г** қоғоз қисқичи.

ДЕРЖА́ТЬ, держу́, де́ржишь *несов.* 1 ушламоқ, тутмоқ; ушлаб, тутиб турмоқ; **~ *что-л.* на весу́** бирор нарсани осилтириб ушлаб турмоқ; **~ стака́н в руке́** стаканни қўлда ушлаб турмоқ, қўлда стакан ушлаб турмоқ; **~ ребёнка за́ руку** болани қўлидан ушлаб турмоқ; болани қўлидан ушлаб бормоқ; **~ папиро́су в зуба́х** оғзида папирос тишлаб турмоқ; 2 *кого-что* ушламоқ, тутмоқ; қўйиб (қочириб) юбормасдан ушлаб, тутиб турмоқ; **держи́, не отпуска́й!** ушла, қўйиб (қочириб) юборма!; **держи́те!** ушланг!; 3 *кого-что* тўсиб турмоқ, ушлаб (тутиб) турмоқ; **плоти́на де́ржит во́ду** тўғон сувни тўсиб (тутиб) туради; 4 *кого-что* кўтариб турмоқ, тутиб турмоқ; **колóнны де́ржат свод** гумбазни устунлар кўтариб туради; 5 *что* бирор ҳолатда, вазиятда сақламоқ, тутмоқ, тутиб турмоқ; **~ ру́ки вы́тянутыми** қўлларни чўзиб турмоқ; 6 *кого-что* бирор ерда, бирор ҳолатда тутмоқ, сақламоқ; бирор ҳолатга солмоқ; **~ под аре́стом** қамоқда тутмоқ, қамоққа солмоқ (ташламоқ), қамаб қўймоқ; **~ молоко́ в холоди́льнике** сутни холодильникда сақламоқ; **~ де́ньги в ба́нке** пулни банкда сақламоқ; **~ под обстре́лом** ўққа тутиб турмоқ; 7 *кого-что* асрамоқ, боқмоқ; **~ коро́в** сигир боқмоқ; 8 *что уст.* сақламоқ, эга бўлмоқ; тутмоқ; **~ тракти́р** трактир очмоқ; трактирга эга бўлмоқ; **~ ла́вочку** дўкон тутмоқ, дўкондорчилик қилмоқ; 9 *кого-что* сақламоқ, солмоқ; **~ прислу́гу** хизматкор (чўри) сақламоқ; хизматкор солмоқ; **~ жильцо́в** уйига одам (квартирант) қўймоқ; 10 *прост.* йўл олмоқ, йўл тутмоқ; йўналмоқ; **держи́ пря́мо** тўппа-тўғри (тўғрига қараб) боравер; **держи́ впра́во** ўнг томондан бор, ўнг томондан юр; **так ~!** 1) шундай тут, шундай боравер!; 2) *перен.* жуда яхши, бўшаштирма!; 11 баъзи отлар билан бирга улардан англашиладиган иш-ҳаракатнинг бажарилишини билдиради: **~ речь** нутқ сўзламоқ, гапирмоқ; **~ путь** йўл олмоқ, йўл тутмоқ; йўлланмоқ; **~ пари́** бас боғламоқ, бас ўйнамоқ; **~ экза́мен** имтиҳон бермоқ, топширмоқ; **~ курс** бирор йўналишда бормоқ, йўл олмоқ, йўл тутмоқ; **~ сло́во** сўзида (ваъдасида) турмоқ, сўзининг (ваъдасининг) устидан чиқмоқ; **~ *чью-л.* сто́рону** бировга ён босмоқ; бировнинг ёнини (тарафини) олмоқ; ✦ **~ корректу́ру** *полигр.* корректура ўқимоқ; **~ у́хо востро́** сергак бўлмоқ, зийрак бўлиб турмоқ; қулоқни динг қилмоқ; **~ язы́к за зуба́ми** тилни тиймоқ, сақламоқ; ҳеч кимга оғиз очмаслик; **~ в повинове́нии** *кого* бўйсундирмоқ; ўз измига солмоқ; **~ *кого* в рука́х** қўлда тутмоқ; қўлга олмоқ; **уме́ть ~ себя́** ўзини тута билмоқ, ўзини тиймоқ; **~ в па́мяти** эсда тутмоқ, ёдда сақламоқ; эсдан чиқармаслик; **~ в та́йне** сир сақламоқ, сир тутмоқ; **~ оборо́ну** мудофаа қилмоқ; мудофаада бўлмоқ; **держи́ карма́н ши́ре** хомтама бўлма.

ДЕРЖА́ТЬСЯ, держу́сь, де́ржишься *несов.* 1 *за кого-что* ушлаб (тиралиб, таяниб) турмоқ; ушлаб бормоқ; ушлаб қолмоқ; **ребёнок де́ржится за́ руку ма́тери** бола онасининг қўлини ушлаб олган; 2 *перен. за что* ёпишиб олмоқ, қўлдан бермасликка, чиқармасликка ҳаракат қилмоқ; **~ за ста́рую до́лжность** эски амалига ёпишиб олмоқ; 3 бирор ҳолатда, вазиятда маҳкам турмоқ, вазият сақламоқ; **кры́шка не де́ржится** қопқоқ очилиб кетаяпти; **он с трудо́м держа́лся на нога́х** у зўрға оёқда турар эди; **ло́дка усто́йчиво де́ржится на воде́** қайиқ сувда чайқалмай-нетмай яхши туради; **пу́говица де́ржится на одно́й ни́тке** тугма битта ипда илиниб турибди; **~ в во́здухе** ҳавода бўлмоқ, учиб юрмоқ; ҳавода муаллақ турмоқ; 4 *за что* қўлини қўймоқ, қўли билан ушламоқ, ушлаб олмоқ; **~ за щёку** чакагини ушлаб (қўлини чакагига қўйиб) олмоқ; **~ за карма́н** 1) чўнтагини ушлаб олмоқ; 2) *перен.* чўнтакни (пулни) қаттиқ тутмоқ; 5 *перен.* ўзини тутмоқ; **он де́ржится о́чень скро́мно** у ўзини жуда камтар тутади; **~ уве́ренно** ўзини

www.ziyouz.com kutubxonasi

дадил тутмоқ, дадил бўлмоқ, бардам бўлмоқ; 6 бардам бўлмоқ, қаттиқ турмоқ; ўзини ҳимоя қилмоқ; қаршилик кўрсатмоқ; бўш келмаслик, таслим бўлмаслик; **крепость ещё держится** қалъа ҳали таслим бўлганича йўқ; қалъа қаттиқ турипти; ~ **до последнего патрона** (или **солдата**) битта патрон (ёки солдат) қолгунча қаршилик кўрсатмоқ; 7 бирор томон билан юрмоқ, қора қилиб бормоқ; ~ **ведущего корабля** бошловчи кемани қора қилиб бормоқ; **идти, держась правой стороны** ўнг томондан бормоқ; ~ **правого берега** ўнг қирғоқ билан (бўйлаб) бормоқ; 8 *чего* амал қилмоқ, риоя қилмоқ, қаттиқ турмоқ; ~ **установленных правил** белгиланган қоидага амал қилмоқ; белгиланган тартибни қаттиқ тутмоқ; ~ **своего мнения** ўз фикрида қаттиқ турмоқ; ўз фикрида қолмоқ; 9 сақланмоқ, узоқ турмоқ, яшамоқ; **у него́ де́ньги до́лго не де́ржатся** унда пул кўп турмайди (тез сарф қилиб юборади); **несколько дней держалась хорошая погода** бир неча кун ҳаво яхши бўлди (яхши бўлиб турди); ✦ ~ **на волоске́** *см.* **волосо́к; то́лько держи́сь!** энди кўрамиз (кўрсат) кучингни (бардошингни, иродангни ва ҳ. к.)!

ДЕРЗА́НИЕ *с высок.* дадил интилиш; жасорат, журъат; **ю́ношеское** ~ ёшлик жасорати.

ДЕРЗА/ТЬ *несов.* 1 *высок.* дадил интилмоқ, мардонавор киришмоқ, жасорат қилмоқ; 2 (*сов.* **дерзну́ть**) *на что* или *с неопр. книжн.* ботинмоқ, журъат қилмоқ, қўрқмаслик; **не ~ю спо́рить с ва́ми** сиз билан баҳслашишга ботина олмайман, сиз билан баҳслашишга юрагим бетламайди.

ДЕРЗИ́ТЬ, -и́шь *несов.* (*сов.* **надерзи́ть**) *кому разг.* терс гапирмоқ; қўрслик, қўполлик қилмоқ; дағал муомала қилмоқ; ~ **ста́ршим** ўзидан катталарга дағал муомала қилмоқ.

ДЕ́РЗКИЙ, -ая, -ое; -зок, -зка́, -зко 1 дағал, қўпол, қўрс, тўрс; қўпол муомала; ~ **ответ** қўрс жавоб; ~ **мальчи́шка** қўрс бола; қўпол муомалали бола; 2 дадил, жасур, мардонавор; ~ **манёвр** дадил маневр.

ДЕ́РЗКО *нареч.* 1 дағаллик (қўрслик, қўполлик) билан; қўрс, тўрс; ~ **отвеча́ть** қўрс жавоб қилмоқ; 2 дадиллик билан, дадил, мардонавор.

ДЕРЗНОВЕ́НИЕ *с высок. уст. то же, что* **дерза́ние.**

ДЕРЗНОВЕ́ННЫЙ, -ая, -ое; -ве́н и -ве́нен, -ве́нна *высок.* жасорат билан тўлиб тошган, дадил, жасурона; ~**е по́мыслы** жасурона ўйлар, дадил ниятлар.

ДЕРЗНУ́ТЬ *сов. см.* **дерза́ть** 2.

ДЕ́РЗОСТНЫЙ, -ая, -ое; -тен, -тна *уст. то же, что* **де́рзкий.**

ДЕ́РЗОСТ/Ь *ж* 1 дағаллик, қўполлик; қўрслик, тўрслик; дағал муомала, қўпол гап; **говори́ть ~и** қўпол гаплар гапирмоқ; 2 дадиллик, жасурлик, мардлик; жасорат, журъат; **име́ть ~ь сказа́ть пра́вду** ҳақиқатни айтишга жасорат қилмоқ, қўрқмасдан ҳақиқатни айтмоқ.

ДЕРИВА́Т *м спец.* дериват, ҳосила; ~**ы сло́ва «голова́»** «голова» сўзининг дериватлари; «голова» сўзидан ясалган (ҳосил қилинган) сўзлар.

ДЕРИВА́ТНЫЙ, -ая, -ое дериват, ясама, ясалган.

ДЕРИВАЦИО́ННЫЙ, -ая, -ое *прил. от* **деривация** 2; ~ **кана́л** деривацион канал; деривация канали.

ДЕРИВА́ЦИЯ *ж* деривация (1 ўқ, снаряд ва ш. к. нинг ўз йўлидан оғиши; 2 сувни асосий ўзандан тармоқлаб чиқариш).

ДЕ́РМА *ж анат.* дерма, тери тўқимаси.

ДЕРМАТИ́Н *м* дерматин, терисимон тўқима, мато; **обло́жка из ~а** дерматин муқова.

ДЕРМАТИ́НОВ/ЫЙ, -ая, -ое дерматиндан ишланган; дерматин...; ~**ая па́пка** дерматин папка.

ДЕРМАТИ́Т *м* дерматит (терининг яллиғланиши).

ДЕРМАТО́З *м* дерматоз (тери касалликларининг умумий номи).

ДЕРМАТО́ЛОГ *м* дерматолог; дерматология мутахассиси, тери касалликлари врачи.

ДЕРМАТОЛО́ГИЧЕСКИЙ, -ая, -ое дерматологияга оид; дерматологик; дерматология...; тери касалликлари...; ~ **кабине́т** дерматология (тери касалликлари) кабинети.

ДЕРМАТОЛО́ГИЯ *ж* дерматология (медицинанинг тери ва тери касалликлари ҳақидаги бўлими).

ДЕ́РН *м* 1 чимзор; 2 *собир.* чим; **обкла́дывать клу́мбы** ~**ом** гулзорларга чим босмоқ.

ДЕРНИ́НА *ж* чим; бир бўлак чим; чим палахсаси.

ДЕРНИ́СТ/ЫЙ, -ая, -ое серажриқ; серилдиз; чимзор, ажриқзор; ~**ая земля́** серажриқ (серилдиз) ер; ажриқзор (чимзор) ер.

ДЕРНОВА́НИЕ *с спец. по гл.* **дернова́ть.**

ДЕРНОВА́ТЬ, -ну́ю, -ну́ешь *несов. что спец.* чим босмоқ; чим бостирмоқ; ~ **железнодоро́жные на́сыпи** темир йўл ён бағрига чим босмоқ.

ДЕРНО́В/ЫЙ, -ая, -ое чим босиб кетган, чим билан қопланган; серажриқ, серилдиз.

ДЕ́РНУ/ТЬ *сов.* 1 *см.* **дёргать** 1, 3; ~**ть за рука́в** енгидан бир силтаб қўймоқ; 2 силтаниб жойидан қўзғалмоқ; **ло́шади ~ли** отлар силтаниб (селпиниб) жойидан қўзғалди; ✦ **чёрт** (или **нелёгкая** и т. п.) ~**л (дёрнет)** *кого прост.* қаёқдан ҳам; фалокат босиб; **чёрт меня́ ~л за язы́к** *прост.* қаёқдан ҳам шундай дедим.

ДЕ́РНУТЬСЯ *сов.* 1 *см.* **дёргаться;** 2 сапчиб кетмоқ, сапчиб тушмоқ; силтанмоқ, селпинмоқ.

ДЕ́РРИК *м* деррик (кўтаргич кран тури).

ДЕРЮ́ГА *ж* 1 дағал каноп мато; 2 *перен. разг.* паст нав, дағал мата; қўпол кийим.

ДЕРЮ́ЖКА *ж, р. мн.* **-жек** *то же, что* **дерю́га.**

ДЕРЮ́ЖНЫЙ, -ая, -ое *прил. от* **дерю́га** дағал матодан қилинган (тикилган); дағал.

ДЕСА́НТ *м* 1 десант; **парашю́тный** ~ парашютчилар десанти; парашют билан туширилган (ташланган) десант; **вы́садить** ~ десант туширмоқ; 2 аскар (десант) ташлаш, тушириш; **произвести́** ~ **в тыл проти́вника** душман орқасига аскар туширмоқ

ДЕСАНТИ́РОВАНИЕ *с по гл.* **десанти́ровать и десанти́роваться.**

ДЕСАНТИ́РОВАТЬ *сов.* и *несов. кого-что* десант (қилиб) туширмоқ, ташламоқ; ~ **разве́дчиков** разведкачиларни десант қилиб туширмоқ, разведкачилар десанти (ташламоқ) ~ **вое́нную те́хнику** ҳарбий техникани десант қилиб туширмоқ, ҳарбий техника ташламоқ.

ДЕСАНТИ́РОВА/ТЬСЯ *сов.* и *несов.* десант бўлиб тушмоқ; **в окре́стностях го́рода ~лся це́лый ко́рпус** шаҳар атрофига бутун бир корпус десант бўлиб тушди (десанти тушди).

ДЕСА́НТНИК *м* 1 десантчи қўшин аскари, десантчи; **парашюти́ст-~** десантчи парашютист; 2 десантчи, десант қатнашчиси.

ДЕСА́НТН/ЫЙ, -ая, -ое десантчи; десантга, десант туширишга оид; десант...; ~**ая опера́ция** десант (тушириш) операцияси; ~**ые войска́** десантчи қўшинлар.

ДЕСЕГРЕ́ГАЦИЯ *ж* десегрегация (сегрегацияга, ирқий дискриминацияга барҳам бериш).

ДЕ́СЕННЫЙ, -ая, -ое *прил. от* **десна́** милкка оид; милк...

ДЕСЕ́РТ *м* десерт (овқатдан кейин ейиладиган мева, ширинлик); **пода́ть на ~ фру́кты** десертга мева тортмоқ (қўймоқ, бермоқ).

ДЕСЕ́РТН/ЫЙ, -ая, -ое десертга оид; десертга қўйиладиган (бериладиган, ейиладиган); **десерт...; ~ое вино́** десерт вино, ширин вино; ~**ая ло́жка** десерт (ўртанча) қошиқ.

ДЕ́СКАТЬ *частица прост.* миш, эмиш; ~, **он не знал** у билмас (билмаган) эмиш; унинг хабари йўқ эмиш.

ДЕСНА́ *ж, мн.* **дёсны,** *р.* **-сен** милк; **у меня́ боля́т дёсны** милкларим оғрияпти; **лечи́ть дёсны** милкларни даволамоқ (даволатмоқ).

ДЕСНИ́ЦА *ж высок. уст.* ўнг қўл; умуман қўл; **каря́ющая** ~ жазоловчи (жазосини берувчи) қўллар.

ДЕ́СПОТ *м* 1 золим (мустабид) подшоҳ; деспот, мустабид; 2 *перен.* зулми ўткир одам, золим, зулмкор; ~ **в семье́** оила зулмкори.

ДЕСПОТИ́ЗМ *м* 1 деспотизм, деспотик тузум, истибдод; 2 қаттиқ зулм қилиш, зулмини ўтказиш, золимлик, зулмкорлик.

ДЕСПОТИ́ЧЕСК/ИЙ, -ая, ое 1 деспотизмга, истибдодга асосланган, деспотик, мустабид; ~**ий о́браз правле́ния**

www.ziyouz.com kutubxonasi

деспотик (мустабид) идора усули, истибдод; 2 *перен.* зулми ўткир, золим, зулмкор; **~ая натýра** зулми ўткир одам.

ДЕСПОТИ́ЧНОСТЬ *ж* деспотлик, золимлик, зулмкорлик.

ДЕСПОТИ́ЧНЫЙ, -ая, -ое; -чен, -чна *то же, что* **деспоти́ческий** 2.

ДЕСПОТИЯ *ж* деспотия, деспотик тузум, истибдод.

ДЕСТЬ *ж. р. мн.* **-тéй** десть, даста (ёзув қоғозининг ўлчов бирлиги); **метри́ческая ~** (50 листóв) метрик даста (50 тахта); **рýсская ~** (24 листá) рус дести (24 тахта).

ДЕСЯ́ТЕР/О, *р.* **-ы́х** *числ. собир.* 1 ўн, ўнта; ўнов; **~о челове́к** (ўн)та одам; **~о сынове́й** ўн(та) ўғил, **дели́ть на ~ы́х** ўнга (ўн кишига) бўлмоқ; 2 ўнта, ўн дона; **~о су́ток** ўн сутка; 3 ўн жуфт; **у меня́ не ~о рук** менинг ўн жуфт қўлим йўқ; ✦ **за ~ы́х** ўн киши учун; ўн киши ўрнига; **ест за трои́х, рабо́тает за ~ы́х** ўн кишининг ишини қилади, уч кишининг овқатини ейди.

ДЕСЯТИБОРЕ́Ц *м, р.* **-рца** ўнкурашчи.

ДЕСЯТИБО́РЬЕ *с* ўнкураш (спортнинг ўн турини ўз ичига олган мусобақа).

ДЕСЯТИВЕ́РСТКА *ж, р. мн.* **-ток** ўн чақирим масштабли харита, ўн чақирим бир дюймда кўрсатилган харита.

ДЕСЯТИГРА́ННИК *м* ўн ёқлик (фигура).

ДЕСЯТИДНЕ́ВКА *ж* ўн кунлик, декада.

ДЕСЯТИДНЕ́ВНЫЙ, -ая, -ое ўн кунлик, ўн кун давом этган (этадиган); ўн кунга мўлжалланган; **~ срок** ўн кунлик муддат; **~ запа́с** ўн кунлик запас.

ДЕСЯТИКЛА́ССНИК *м* ўнинчи синф ўқувчиси.

ДЕСЯТИКЛА́ССНИЦА *ж см.* **десятикла́ссник.**

ДЕСЯТИКОПЕ́ЕЧН/ЫЙ, -ая, -ое 1 ўн тийинлик, ярим тангалик; **~ая моне́та** ўн тийинлик танга; ярим танга; 2 ўн тийинли; ўн тийин турадиган; **~ая почто́вая ма́рка** ўн тийинли почта маркаси; **~ый биле́т** ўн тийинли билет.

ДЕСЯТИКРА́ТНО *нареч.* ўн марта, ўн карра; ўн бор; ўн ҳисса; ўн баравар.

ДЕСЯТИКРА́ТН/ЫЙ, -ая, -ое ўн марта (карра, баравар) оширилган, катталаштирилган; **ўн марта (карра, бор)** қайтарилган; ўн ҳисса, ўн марта, ўн карра; **~ое предупрежде́ние** ўн марта огоҳлантириш; **плати́ть в ~ом разме́ре** ўн марта ошиқ тўламоқ; ўн ҳисса тўламоқ.

ДЕСЯТИЛЕ́ТИ/Е *с* 1 ўн йилли вақт, муддат; ўн йил; **прошли́ ~я** бир неча ўн йил ўтди (ўтиб кетди); 2 ўн йиллик (маросим, юбилей).

ДЕСЯТИЛЕ́ТКА *ж, р. мн.* **-ток** ўн йиллик мактаб, тўлиқ ўрта мактаб.

ДЕСЯТИЛЕ́ТНИЙ, -яя, -ее 1 ўн йиллик, ўн йил давом этган (этадиган); ўн йилга мўлжалланган; **~ стаж** ўн йиллик стаж; 2 ўн ёш(ли), ўн ёшдаги; ўн яшар; **~ ма́льчик** ўн яшар бола.

ДЕСЯТИМЕ́СЯЧНЫ/Й, -ая, -ое 1 ўн ойлик; ўн ой давом этган (этадиган); ўн ойга мўлжалланган; **~й срок** ўн ойлик муддат; **~е ку́рсы** ўн ойлик курс; 2 туғилганига ўн ой бўлган, ўн ойлик; **~й ребёнок** ўн ойлик бола.

ДЕСЯ́ТИНА *ж* 1 десятина, ботмон (бир гектарга яқин ер ўлчов бирлиги); 2 ушр (даромаднинг ўндан бири миқдорида черков фойдасига олинган солиқ).

ДЕСЯТИ́ННЫЙ, -ая, -ое десятинали; десятина...; ботмон...

ДЕСЯТИРУБЛЁВКА *ж, р. мн.* **-вок** *разг.* ўн сўмлик пул.

ДЕСЯТИРУБЛЁВ/ЫЙ, -ая, -ое 1 ўн сўмлик; 2 ўн сўм турадиган, ўн сўмли; **~ая облига́ция** ўн сўмли облигация.

ДЕСЯТИТЫСЯ́ЧН/ЫЙ, -ая, -ое 1 *числ. порядк.* ўн мингинчи, тартиб номери ўн минг бўлган; 2 ўн минг сўмлик, ўн минг сўм турадиган; 3 ўн минг кишилик; **~ое во́йско** ўн минг кишилик отряд.

ДЕСЯТИЧАСО́В/ОЙ, -а́я, -о́е 1 ўн соатли, ўн соат давом этган (этадиган); ўн соатга мўлжалланган; **~о́е ожида́ние** ўн соатли кутиш; **~а́я ле́кция** ўн соатли (ўн соатга мўлжалланган) лекция; 2 соат ўндаги; соат ўнда бўлган (бўладиган); соат ўнга белгиланган; **~о́й по́езд** соат ўндаги поезд.

ДЕСЯТИУГО́ЛЬНИК *м* ўнбурчаклик (шакл).

ДЕСЯТИУГО́ЛЬНЫЙ, -ая, -ое ўн бурчакли.

ДЕСЯТИ́ЧН/ЫЙ, -ая, -ое ўнли; **~ые дро́би** ўнли касрлар; **~ые весы́** ўнли тарози; **~ая систе́ма мер и весо́в** ўлчов ва тарозиларнинг ўнли системаси.

ДЕСЯТК/А *ж, р. мн.* **-ток** 1 ўн рақами; ўн; ўнта; 2 ўнлик, ўналик; **~а бу́бен** ғиштиннинг ўнлиги; 3 *разг.* ўн сўмлик пул; ўн сўм; **заплати́ть ~у** ўн сўм тўламоқ; 4 *разг.* ўнинчи номерли нарса; ўнинчи; **е́хать на ~е** ўнинчи (трамвай, автобус ва ш. к.) да бормоқ; 5 ўн кишилик (ўн киши баравар эшкак эшадиган) қайиқ; ✦ **попа́сть в ~у** нишоннинг марказига (ўн ёзилган доирасига) урмоқ.

ДЕСЯТНИ́К *м* десятник, ўнбоши (ишбоши); **рабо́тать ~ом на стро́йке** қурилишда десятник бўлиб ишламоқ.

ДЕСЯ́Т/ОК *м, р.* **-тка** 1 ўн(та), ўн дона, ўн нафар; **~ок яи́ц** ўнта тухум; **счита́ть ~ками** ўнталаб санамоқ; 2 ҳар ўн ёш; **ему́ пошёл пя́тый ~ок** у элликка қадам қўйди; у қирқдан ошди; 3 *мн.* **~ки** ўнлар, ўнликлар (кўп хонали сонларнинг иккинчи хонаси); **едини́цы и ~ки** бирликлар ва ўнликлар; 4 *мн.* **~ки** бир неча ўн; ўнлаб; **прошли́ ~ки лет** бир неча ўн йил ўтди; ✦ **не ро́бкого ~ка** қўрқоқлардан эмас; довюрак.

ДЕСЯ́ТСКИЙ *м, р.* **-ого** элликбоши (чор Россиясида қишлоқларда).

ДЕСЯ́Т/ЫЙ, -ая, -ое *числ. порядк.* ўнинчи; тартиб номери ўн бўлган; **~ое ма́я** ўнинчи май; **~ого ма́я** ўнинчи майда; **~ый но́мер** ўнинчи номер; **три ~ых** ўндан уч (бўлак, улуш); ✦ **с пя́того на ~ое** или **че́рез пя́тое на ~ое** у еридан кириб, бу еридан чиқиб, чалакам-чатти, чала-пулча; **э́то де́ло ~ое** *разг.* бу ўнинчи масала, бунинг унча аҳамияти йўқ.

ДЕСЯ́ТЬ, *р.* **-ти** *числ. колич.* ўн(та); ўн дона, ўн нафар; **~ дней** ўн кун; **~ парне́й** (ўн)та бола; **гру́ппа в ~ челове́к** ўн кишилик группа; **ему́ ~ лет** унинг ёши ўнда; **набо́р из десяти́ каранда́шей** ўнта қаламдан иборат набор.

ДЕСЯ́ТЬЮ *нареч.* ўн марта, ўн карра; **~ де́сять — сто** ўн карра ўн — юз.

ДЕТАЛИЗА́ЦИЯ *ж* детализация, деталлаштириш, батафсил текшириш, деталлари (тафсилотлари) билан аниқлаш.

ДЕТАЛИЗИ́РОВАТЬ *сов.* и *несов. что* деталлаштирмоқ, батафсил текширмоқ, деталлари (тафсилотлари) билан аниқламоқ; **~ план** планни деталлаштирмоқ.

ДЕТА́Л/Ь *ж* 1 деталь, қисм; **~и маши́ны** машина деталлари (қисмлари); **автомоби́льные ~и** автомобиль деталлари; 2 деталь, тафсилот; **вдава́ться в ~и** тафсилотларга берилмоқ, майда-чуйда деталлари (тафсилотлари) билан текширмоқ, аниқламоқ, ўрганмоқ.

ДЕТА́ЛЬНО *нареч.* бутун тафсилотлари (майда-чуйда деталлари) билан, батафсил, тафсилий равишда.

ДЕТА́ЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое; -лен, -льна бутун тафсилотларини (майда-чуйда деталларини) ўз ичига олган, батафсил, тўла, мукаммал; **~ое описа́ние** батафсил баён (ёки тавсиф); тўла баён қилиш, тавсифлаш; **~ый разбо́р** батафсил текшириш, майда-чуйда деталларигача (икир-чикирларигача) текшириш.

ДЕТВА *ж собир.* асалари ғумбаги; асалари болалари.

ДЕТВОРА́ *ж собир. разг.* майда болалар, ғўдаклар, чурвақалар.

ДЕТДО́М *м* (де́тский дом) болалар уйи; етимхона *(эск.).*

ДЕТДОМОВЕ́Ц *м, р.* **-вца** *разг.* болалар уйи боласи; болалар уйида тарбияланган (тарбияланаётган) бола.

ДЕТДОМО́ВКА *ж, р. мн.* **-вок** *см.* **детдо́мовец.**

ДЕТДОМО́ВСКИЙ, -ая, -ое болалар уйига оид; болалар уйи...; **~ ребёнок** болалар уйи боласи.

ДЕТЕ́КТИВ *м* 1 детектив, махфий агент, ҳуфия (капиталистик мамлакатлар полициясида); 2 детектив (махфий агентлар ҳаётига оид асар).

ДЕТЕКТИ́ВНЫЙ, -ая, -ое махфий агентлар ҳаётига оид; детектив; **~ рома́н** детектив роман; **~ фильм** детектив фильм.

ДЕТЕ́КТОР *м радио* детектор; **кристалли́ческий ~** кристал(ли) детектор; **ла́мповый ~** лампали детектор.

ДЕТЕКТО́РНЫЙ, -ая, -ое *радио* детекторли; детектор...; **~ прие́мник** детекторли приемник.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ДЕТЁНЫШ *м* ҳайвонларнинг янги туғилган, онасидан ажралмаган боласи.

ДЕТЕРМИНА́НТ *м мат.* детерминант, аниқловчи.

ДЕТЕРМИНИ́ЗМ *м филос.* детерминизм (нарса ва ҳодисаларнинг сабабий боғланишлари ҳақидаги материалистик таълимот).

ДЕТЕРМИНИ́СТ *м филос.* детерминист, детерминизм тарафдори.

ДЕТЕРМИНИСТИ́ЧЕСКИЙ, -ая, -ое *филос.* детерминизмга асосланган, детерминистик.

ДЕТЕРМИНИ́СТСКИЙ, -ая, -ое *филос. то же, что* **детерминисти́ческий.**

ДЕ́ТИ *мн., р.* **дете́й, *дат.* де́тям, *твор.* детьми́** *(ед.* **дитя́** и **ребёнок**) 1 болалар; **ёш болалар; бола-**бақра; бола-чақа; **~ мла́дшего во́зраста** кичик ёшдаги болалар; **теа́тр для дете́й** болалар театри; 2 **болала́р,** ўғил-қизлар, фарзандлар; бола-чақа; **мои ~ мене́нинг бола́ларим** (фарзандларим, бола-чақам); **воспи́тывать дете́й** болаларни тарбияламоқ (ўстирмоқ, боқмоқ).

ДЕТИ́НА *м разг.* каттагина йигит; давангирдай одам; кап-катта одам.

ДЕТИШКИ *мн., р.* **-шек** *уменьш.-ласк. от* **де́ти** 1 болалар, гўдаклар, болакайлар, болажонлар.

ДЕ́ТИЩЕ *с* 1 *уст.* бола, фарзанд; 2 *перен. чего* самара; фарзанд; **~ Октября́** Октябрь самараси; **комсомо́л — ~ па́ртии** комсомол — партия фарзанди.

ДЕТКА *ж разг.* бола, болакай (мурожаат формаси); **подойди́ сюда́, ~ ҳой** бола, бу ёққа кел.

ДЕ́ТКИ *мн., р. мн.* **-ток** *уменьш.-ласк. от* **де́ти** болалар, гўдаклар; болакайлар; болажонлар; **ма́ленькие ~ — ма́ленькие бе́дки** *погов.* кичкина болаларнинг ҳам ўзига яраша ташвиши бор; кичкина болалар ҳам ўзига яраша ташвиш.

ДЕТОНА́ТОР *м спец.* детонатор, портлатгич модда, капсюль (снарядларда, портлатиш ишларида).

ДЕТОНАЦИО́ННЫЙ, -ая, -ое *спец.* детонацияга оид; детонацион; детонация...; **~ое явле́ние** детонация ҳодисаси.

ДЕТОНА́ЦИЯ *ж спец.* детонация, жуда тез портлаш, ёниш.

ДЕТОНИ́РОВАТЬ I *несов. спец.* детонация бермоқ, жуда тез портламоқ (ёнмоқ).

ДЕТОНИ́РОВАТЬ II *несов. муз.* оҳангини (тонни, йўлни) бузмоқ (чолғуда, ашулада).

ДЕТОРОЖДАЕМОСТЬ *ж* туғилиш (болаларнинг кўп ё оз туғилиши); **увеличе́ние ~и** туғилишнинг ўсиши, кўпайиши.

ДЕТОРОЖДЕ́НИЕ *с* бола туғиш; болалаш.

ДЕТОУБИ́ЙСТВО *с* бола ўлдириш, болани ўлдириш, қириш; фарзандкушлик.

ДЕТОУБИ́ЙЦА *м* и *ж* 1 бола(лар)ни ўлдирган (қирган) киши; 2 фарзандкуш.

ДЕ́ТОЧКА *ж, р. мн.* **-чек** болагина, болажон.

ДЕТРИ́Т *м* детрит (чечак эми, чечакка қарши эмланадиган препарат).

ДЕТСА́Д *м* (де́тский сад) болалар боғчаси.

ДЕТСА́ДОВСКИЙ, -ая, -ое *разг.* болалар боғчасига оид, қарашли; болалар боғчаси...; **~й двор** болалар боғчасининг ҳовлиси, боғча ҳовлиси; **~е де́ти** боғча болалари.

ДЕ́ТСКАЯ *ж, р.* **-ой** болалар хонаси, бўлмаси (хонадонда, квартирада).

ДЕ́ТСКИЙ, -ая, -ое 1 болаларга хос бўлган; болалар...; **~ие боле́зни** болаларга хос касалликлар, болалар касалликлари; 2 болаларга аталган, болалар учун белгиланган; болалар...; **~ая о́бувь** болалар оёқ кийими, бачкана пойабзал; **~ий сад** болалар боғчаси; **~ая литерату́ра** болалар адабиёти; 3 *перен.* ёш болаларга хос бўлган, гўдакона; болаларча, бачкана; **~ие рассужде́ния** болаларча муҳокама.

ДЕ́ТСКОСТЬ *ж* болаларга хос соддалик; самимийлик; болаларга хос хулқ-атвор, болалик.

ДЕ́ТСТВ/О *с* болалик чоғлари, болалик даври; болалик; **в ра́ннем ~е** ёш бола вақтида(ёқ); **с ~а** болаликдан; болалик давридан; **друг ~а** болалик давридан қолган дўст; **счастли́вое ~о** бахтли болалик; **воспомина́ния ~а** болалик даврининг хотиралари; ✦ **впасть в ~о** ёш боладек бўлиб қолмоқ, қариганда болаларча иш қилмоқ, болалиги тутмоқ.

ДЕ́ТУШКИ *мн., р.* **-шек** *ласк. от* **де́ти** *прост. то же, что* **дети́шки.**

ДЕ́ТЬ, де́ну, де́нешь *сов. кого-что разг.* 1 (*несов.* **дева́ть**) қаергадир қўймоқ, тиқиштирмоқ; **куда́ ты дел каранда́ш?** қаламни қаёққа қўйдинг (тиқиштирдинг)?; 2 қўймоқ; жойлаштирмоқ; 3 йўқ қилмоқ, сарф қилмоқ; **куда́ ты дел сто́лько де́нег?** шунча пулни нима қилдинг?

ДЕ́ТЬСЯ, де́нусь, де́нешься *сов. разг.* 1 (*несов.* **дева́ться**) йўқолмоқ, йўқ бўлмоқ; **куда́ де́лось сто́лько де́нег?** шунча пул қаёққа кетди; 2 ўрнашмоқ, жойлашмоқ, жой (макон) топмоқ; сигмоқ; **не́куда ~ от стыда́** уятдан қаёққа қочишни билмайсан киши; **никуда́ не де́нешься** қочиб қутила олмайсан: на чора.

ДЕ-ФА́КТО *нареч. книжн.* де-факто, ҳақиқатда; амалда; ҳақиқат деб; **призна́ть ~** амалда ҳақиқат деб тан олмоқ; *ср.* **де-ю́ре.**

ДЕФЕ́КТ *м* дефект, камчилик, нуқсон, иллат; **това́р с ~ом** дефекти (камчилиги, нуқсони) бўлган мол; нуқсонли мол.

ДЕФЕКТИ́ВНОСТЬ *ж* дефектга (нуқсонга) эгалик, нуқсонлилик.

ДЕФЕКТИ́ВНЫЙ, -ая, -ое; -вен, -вна жисмоний ёки руҳий камчилиги (айби, нуқсони) бўлган, нуқсонли; **~ ребёнок** жисмоний ёки руҳий камчилиги (айби, нуқсони) бўлган бола; нуқсонли бола.

ДЕФЕКТН/ЫЙ, -ая, -ое; -тен, -тна дефекти (камчилиги, нуқсони бўлган); нуқсонли деб топилган; дефектли, нуқсонли; дефект...; **~ая страни́ца** нуқсонли бет.

ДЕФИЛЕ́ *с нескл. спец.* тор тоғ оралиғи, тор йўлак, дара.

ДЕФИЛИ́РОВАТЬ *несов.* тантанали юриш қилмоқ; тантанали юриш қилиб ўтмоқ.

ДЕФИНИ́ЦИЯ *ж книжн.* дефиниция, таъриф; **таъри́флаш.**

ДЕФИ́С *м лингв.* дефис.

ДЕФИЦИ́Т *м* 1 *эк.* дефицит, зарар, зиён; **даромаднинг буромаддан(киримнинг чиқимдан) озлиги; бюдже́тный ~** бюджетдаги дефицит; 2 етишмаслик, танқислик, камчи́лик, камоблик; **~ рабо́чей си́лы** иш кучининг етишмаслиги; **~ бума́ги** қоғознинг етишмаслиги; қоғоз танқислиги; 3 етишмайдиган (камчил, камёб) нарса, танқис нарса, дефицит.

ДЕФИЦИ́ТНОСТЬ *ж* етишмаслик, танқислик, камчиллик, камоблик.

ДЕФИЦИ́ТНЫЙ, -ая, -ое; -тен, -тна 1 дефицитли; даромади буромадидан (киримни чиқимидан) кам бўлган; буромадни (чиқимни) қопламайдиган; фойда келтирмайдиган; 2 етишмайдиган, танқис, камчил, камоб; **~ това́р** танқис мол.

ДЕФЛЯ́ЦИЯ *ж эк.* дефляция (муомаладаги пул миқдорини камайтириш).

ДЕФОЛИА́НТЫ *мн.* (*ед.* **дефолиа́нт** *м*) дефолиантлар (баргларни тўктирадиган моддалар, препаратлар).

ДЕФОЛИА́ЦИЯ *ж* дефолиация(лаш); баргларни тўктириш; **~ хлопча́тника** ғўзаларни дефолиациялаш.

ДЕФОРМА́ЦИЯ *ж* деформация, деформациялаш; деформацияланиш; шаклнинг ўзгариши ёки ўзгартирилиши.

ДЕФОРМИ́РОВАТЬ *сов.* и *несов. что* деформацияламоқ, шаклини ўзгартирмоқ.

ДЕФОРМИ́РОВАТЬСЯ, -руется *сов.* и *несов.* деформацияланмоқ.

ДЕХКА́НИН *м, мн.* **-а́не** деҳқон.

ДЕХКА́НСК/ИЙ, -ая, -ое деҳқонларга оид, деҳқонча; деҳқон...; **~ое хозя́йство** деҳқон хўжалиги.

ДЕЦЕНТРАЛИЗА́ЦИЯ *ж* децентрализация (марказлашган системадан марказлашмаган системага ўтиш ёки ўтказиш).

ДЕЦЕНТРАЛИЗО́ВАНН/ЫЙ, -ая, -ое марказлаштирилмаган; **~ое снабже́ние** марказлаштирилмаган таъминот усули.

ДЕЦЕНТРАЛИЗО́ВАТЬ, -зу́ю, -зу́ешь *сов.* и *несов. что* децентрализация қилмоқ; **~ управле́ние** бошқарувни децентрализация қилмоқ.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ДЕЦИГРА́ММ *м* дециграмм, ўндан бир грамм, граммнинг ўндан бири.

ДЕЦИЛИ́ТР *м* децилитр, ўндан бир литр, литрнинг ўндан бири.

ДЕ́ЦИМА *ж муз.* децима (диатоник гаммаиинг биринчи ва ўнинчи парда оралиғи ва ўнинчи пардаси).

ДЕЦИМЕ́ТР *м* дециметр, ўндан бир метр, метрнинг ўндан бири; ўн сантиметр.

ДЕШЕВЕ́/ТЬ, -е́ет *несов.* (*сов.* **подешеве́ть**) арзонлашмоқ; пасаймоқ, ташламоқ, тушмоқ (нарх-наво ҳақида); **проду́кты ~ют** озиқ-овқат арзонлашмоқда; озиқ-овқатларнинг нархи тушмоқда.

ДЕ́ШЕВИЗНА *ж* арзонлик; арзончилик.

ДЕ́ШЕВК/А *ж разг.* 1 нархи (баҳоси) жуда паст (жуда арзон) нарса; 2 текиндек, сувтекин; **купи́ть по ~е** жуда арзон(га) олмоқ, сувтекин қилмоқ; арзон-гаров олмоқ; 3 арзимаган (ҳеч нарсага арзимайдиган) нарса.

ДЕ́ШЕВО *нареч.* арзон, арзимаган нархга; текиндек, сувтекин; **~купи́ть** арзон(га) олмоқ; **~ взять за рабо́ту** меҳнатига арзимаган ҳақ олмоқ, арзонга ишламоқ; ✦ **~ отде́латься** осонгина қутулмоқ; **~и серди́то** арзону жуда соз; **~ сто́ит** бир пулга арзимайди; бир пул; тўққиз пулга қиммат; **его́ обеща́ния ~ сто́ят** унинг ваъдалари бир пул.

ДЕШЁВЫ/Й, -ая, -ое 1 баҳоси (нархи) паст, арзон; **~е тка́ни** арзон газмоллар; 2 *перен. разг.* арзимас, ҳеч нарсага арзимайдиган; жўн; **~й успе́х** арзимаган муваффақият, осонлик билан қўлга киритилган муваффақият.

ДЕШИФРИ́РОВАТЬ *сов.* и *несов. что* дешифровка қилмоқ, ўқимоқ, очмоқ; **~ иерогли́фы** иероглифларни ўқимоқ; **~ аэрофотосни́мки** аэрофотосуратларни дешифровка қилмоқ (ўқимоқ, очмоқ).

ДЕ́ШИФРОВАТЬ, -ру́ю, -ру́ешь *сов.* и *несов. то же, что* **дешифри́ровать.**

ДЕШИФРО́ВКА *ж* дешифровка (шифрни, шифрланган ёки номаълум ҳарфлар билан ёзилган нарсани ўқиш, очиш).

ДЕ-ЮРЕ *нареч. книжн.* де-юре, юридик (формал) равишда; *ср.* **де-фа́кто.**

ДЕЯ́НИ/Е *с высок.* и *спец.* иш, хатти-ҳаракат, фаолият; **вели́кие ~я** улуғ ишлар; **престу́пное ~е** жиноий хатти-ҳаракат, кирдикор.

ДЕ́ЯТЕЛЬ *м* арбоб; **госуда́рственный ~** давлат арбоби; **заслу́женный ~ нау́ки** хизмат кўрсатган фан арбоби.

ДЕ́ЯТЕЛЬНИЦА *ж разг. см.* **де́ятель.**

ДЕ́ЯТЕЛЬНО *нареч.* фаол равишда, актив; ғайрат билан, жонбозлик кўрсатиб.

ДЕ́ЯТЕЛЬНОСТЬ *ж* 1 иш, фаолият; хизмат; ғайрат; **обще́ственная ~** ижтимоий фаолият; **революцио́нная ~** революцион фаолият; **прояви́ть кипу́чую ~** ғайрат кўрсатмоқ; 2 иш, ишлаш, фаолият, ҳаракат; **~ се́рдца** юрак фаолияти; юракнинг ишлаши; **~ вулка́на** вулканнинг ҳаракати (фаолияти).

ДЕ́ЯТЕЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое; -лен, -льна фаол, ишчан, серғайрат, серҳаракат, ғайратли; **~ый челове́к** серғайрат одам; **принима́ть ~ое уча́стие** *в чём-л.* фаол қатнашмоқ.

ДЕ́ЯТЬСЯ, де́ется *несов.* (*сов.* **поде́яться**) *прост.* бўлмоқ, содир бўлмоқ, юз бермоқ; **что там де́ется?** у ерда нима(лар) бўляпти, ўзи?

ДЖАЗ *м* жаз (оркестр тури ва унга атаб ёзилган музика асари).

ДЖА́ЗОВ/ЫЙ, -ая, -ое жазга оид, жаз учун белгиланган; жаз...; **~ая му́зыка** жаз музикаси (жаз оркестрига атаб ёзилган музика).

ДЖАЙЛАУ и **ДЖЕЙЛАУ** *с нескл.* яйлов, ўтлоқ.

ДЖЕЙРАН *м* жайрон.

ДЖЕМ *м* жем, қуюқ шинни; **я́блочный ~** олма шиниси.

ДЖЕ́МПЕР *м* жемпер; **шерстяно́й ~** шерсть жемпер.

ДЖЕНТЛЬМЕ́Н *м* 1 жентльмен (Англияда: буржуа-аристократик табақаларга хос нозик муомалали, назокатли одам); 2 *разг.* умуман муомалали, назокатли одам; **бу́дьте ~ом!** бир жентльменлик қилинг; бир илтифот (хизмат) қилинг!

ДЖЕНТЛЬМЕ́НСК/ИЙ, -ая, -ое жентльменларга хос бўлган; **жентльменларча муомалали, назокатли;** ✦ **~ое соглаше́ние** *дипл.* ўзаро жентльменларча келишув; тантилик билан тузилган ўзаро оғзаки битим.

ДЖЕНТЛЬМЕ́НСТВО *с* жентльменлик, назокатлилик, нозик муомала, назокат; тантилик.

ДЖЕРСИ́ и **ДЖЕ́РСИ** *с нескл.* жерси (жун ёки ипакли газмол тури ва ундан тикилган нарса); **костю́м ~** жерси костюм.

ДЖИГИ́Т *м* чавандоз (Кавказ халқларида).

ДЖИГИТОВА́ТЬ, -ту́ю, -ту́ешь *несов.* от ўйнатмоқ, чавандозлик қилмоқ.

ДЖИГИТО́ВКА *ж* от ўйнатиш; чавандозлик машқлари; чавандозлик.

ДЖИН I *м* жин (арақ тури).

ДЖИН II *м тех. уст.* жин (чигитдан пахтани ажратадиган машина).

ДЖИН III *м миф.* жин, ажина; **вы́пустить ~а из буты́лки** (*л. м.* шишадан жинни чиқариб юбормоқ) ёвуз (ёмон) одамларга эрк бериб қўймоқ, ёмонларни бўш қўймоқ.

ДЖИ́НСЫ *мн.* жинси (шим тури).

ДЖИУ-ДЖИ́ТСУ *с нескл.* жиу-житсу (японча кураш тури).

ДЖО́НКА *ж, р. мн.* **-нок** жонка (хитойча елканли кема).

ДЖО́УЛЬ *м физ.* жоуль (электр токи ишининг ўлчов бирлиги).

ДЖУ́НГЛ/И *мн.* чакалакзор, чангалзор (тропик мамлакатларда: қалин ўрмон); **африка́нские ~и** Африка чакалакзорлари; ✦ **зако́н ~ей** чангалзорлар қонуни (очиқдан-очиқ зўравонлик, жабр-зулм),

ДЖУТ *м* жут, Ҳиндистон канопи (тола берадиган ўсимлик).

ДЖУ́ТОВ/ЫЙ, -ая, -ое жутдан олинган, жут толасидан тайёрланган; жут...; **~ое волокно́** жут толаси; **~ый мешо́к** жут қоп.

ДЗОТ *м* (де́рево-земля́на́я огнева́я то́чка) *воен.* дзот (ҳарбий истеҳком тури).

ДЗЮДО́ *с нескл. спорт.* дзюдо (японча эркин кураш).

ДЗЮДОИ́СТ *м* дзюдочи, дзюдоча кураш тушувчи.

ДИАБЕ́Т *м мед.* диабет (модда алмашинувининг бузилиши натижасида юзага келадиган ва сийдикнинг кўпайиши билан кечадиган касалликлар номи); **са́харный ~** қанд касаллиги, қандли диабет, сийдикда ва қонда қанд моддаси кўпаядиган касаллик.

ДИАБЕ́ТИК *м разг.* диабет касалига йўлиққан киши, диабетик.

ДИАГНО́З *м* диагноз; касални аниқлаш; **поста́вить ~** касални аниқламоқ, касални аниқлаб диагноз қўймоқ.

ДИАГНО́СТ *м* диагност (касални аниқловчи мутахассис врач).

ДИАГНО́СТИКА *ж* диагностика (медицинанинг касалликларни аниқлаш ҳақидаги бўлими, шунингдек, касалликларни аниқлаш усуллари); **~ заболева́ния** касалликлар диагностикаси.

ДИАГНОСТИ́РОВАТЬ *сов.* и *несов. что* диагноз қўймоқ, касалликни аниқламоқ.

ДИАГНОСТИ́ЧЕСКИ/Й, -ая, -ое диагностик; диагноз...; диагностика...; **~е при́знаки** диагностик белгилар, касаллик аломатлари; **~е ме́тоды** диагностика методлари.

ДИАГОНА́ЛЕВЫЙ, -ая, -ое диагоналдан тикилган; диагональ...; **~ костю́м** диагональ костюм.

ДИАГОНА́Л/Ь *ж* 1 *мат.* диагональ; **~ь квадра́та** квадрат диагонали; 2 диагональ (бўртма қия йўлли газмол); **отре́з ~и на брю́ки** бир шимлик диагональ; ✦ **по ~и** диагональ бўйича (бўйлаб); қиямасига, қиялаб, қийғоч, бурчакма-бурчак; **пересе́чь у́лицу по ~и** кўчани қиямасига (қиялаб) кесиб ўтмоқ.

ДИАГОНА́ЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое; -лен, -льна 1 диагональ йўналишдаги; диагональ оркали ўтган; диагонал...; **~ая пло́скость** диагонал текислик.

ДИАГРА́ММА *ж* диаграмма; **хронологи́ческая ~** хронологик диаграмма; **~ ро́ста** ўсиш диаграммаси.

ДИАГРА́ММНЫ/Й, -ая, -ое диаграмма кўринишидаги; диаграмма...; **~е кривы́е** диаграмма эгри чизиқлари.

ДИАДЕ́МА *ж* диадема (1 тож; 2 тиллақош).

www.ziyouz.com kutubxonasi

ДИАКРИТИЧЕСКИЙ: ~ **знак** *лингв.* диакритик белги (ҳарф устидаги ёки остидаги белги).

ДИАЛЕКТ *м* диалект, шева; **социа́льный** ~ социал шева; **территориа́льный** ~ территориал (маҳаллий) шева.

ДИАЛЕКТА́ЛЬНЫЙ, -ая, -ое *то же, что* **диале́ктный**; ~**е разли́чия** диалектал фарқлар, шеваларнинг фарқлари.

ДИАЛЕКТИ́ЗМ *м* шевачилик; диалектизм (диалектларга, шеваларга хос сўз, ибора); ~**ы в произведе́ниях М. Шо́лохова** М. Шолохов асарларидаги диалектизмлар, Шолохов асарларидаги шевачилик.

ДИАЛЕ́КТИК *м* диалектик (1 диалектик философия тарафдори; 2 *уст.* моҳир мунозарачи).

ДИАЛЕ́КТИКА *ж* 1 диалектика (ҳаракат ва ривожланишнинг умумий қонуниятлари ҳақидаги фалсафий таълимот, шунингдек, ҳаракат ва ривожланишнинг ўзи); **материалисти́ческая** ~ материалистик диалектика; ~ **приро́ды** табиат диалектикаси; 2 *уст.* мунозара (баҳс) санъати.

ДИАЛЕКТИ́ЧЕСКИЙ I, -ая, -ое диалектикага оид; диалектик; диалектика...; ~ **материали́зм** диалектик материализм; ~ **ме́тод** диалектик метод.

ДИАЛЕКТИ́ЧЕСКИЙ II, -ая, -ое *уст. то же, что* **диале́ктный**.

ДИАЛЕ́КТН/ЫЙ, -ая, -ое диалектга (шевага) оид; диалектларга (шеваларга) хос бўлган, диалектал, диалект...; шева...; ~**ая ле́ксика** диалектал лексика, шева(ларнинг) лексикаси; ~**ые слова́** шева сўзлари; шеваларга хос сўзлар; ~**ые осо́бенности** шева хусусиятлари.

ДИАЛЕКТО́ЛОГ *м* диалектолог, шевашунос, диалектология олими.

ДИАЛЕКТОЛО́ГИЧЕСК/ИЙ, -ая, -ое диалектологияга оид; диалектологик; диалектология...; шевашунослик...; ~**ий слова́рь** диалектологик луғат; ~**ий а́тлас** диалектологик атлас; ~**ая экспеди́ция** диалектологик экспедиция.

ДИАЛЕКТОЛО́ГИЯ *ж* диалектология, шевашунослик; ~ **узбе́кского языка́** ўзбек тили диалектологияси; **истори́ческая** ~ тарихий диалектология.

ДИАЛО́Г *м* 1 диалог, сўзлашув, суҳбат; **вести́** ~ сўзлашмоқ, гаплашмоқ; музокара олиб бормоқ; 2 *лит.* диалог (адабий асарнинг суҳбат тарзида ёзилган қисми); 3 *лит.* диалог (суҳбат тарзида ёзилган адабий асар).

ДИАЛОГИ́ЧЕСК/ИЙ, -ая, -ое диалогик, диалог (сўзлашув, суҳбат) тарзидаги, диалог...; ~**ая речь** диалогик нутқ, сўзлашув, гаплашув.

ДИАМА́НТ *м уст.* олмос, бриллиант.

ДИАМА́Т *м* (диалекти́ческий материали́зм) *разг.* диамат (диалектик материализм).

ДИА́МЕТР *м* 1 *мат.* диаметр; ~ **ша́ра** шар диаметри; 2 диаметр, кўндаланг кесим ўлчами, йўғонлик; ~ **трубы́** труба диаметри.

ДИАМЕТРА́ЛЬНО *нареч.* бутунлай, тамоман, мутлақо; ~ **противополо́жные мне́ния** бутунлай (бир-бирига) зид (қарама-қарши) фикрлар.

ДИАМЕТРА́ЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое диаметрда жойлашган; диаметр орқали ўтган, диаметрал; диаметр...; ~**ая пло́скость** диаметрал текислик, диаметр текислиги; 2 *перен.* диаметрал, бутунлай, тамоман, мутлақо (қарама-қарши фикр, мулоҳаза, нарса, одам ва ш. к. ҳақида); ~**ая противополо́жность** диаметрал қарама-қаршилик; тамоман акси, зидди.

ДИАПАЗО́Н *м* диапазон (билим, ўзгариш ва ш. к. кўлами, ҳажми, чегараси, доираси); ~ **колеба́ний** тебранишлар диапазони (чегаралари); **го́лос большо́го** ~**а** диапазони (кўлам чегаралари) кенг овоз; ~ **зна́ний** билим доираси.

ДИАПОЗИТИ́В *м* диапозитив (экранга проекциялаш учун тайёрланган шаффоф фотосурат); **цветны́е** ~**ы** рангли диапозитивлар; **учёбные** ~**ы** ўқув диапозитивлари.

ДИАПОЗИТИ́ВНЫЙ, -ая, -ое диапозитив...; диапозитивдан иборат бўлган; ~**е пласти́нки** диапозитив пластинкалар.

ДИАПРОЕ́КТОР *м* диапроектор (диапозитив суратлар кўрсатадиган проекцион фонарь).

ДИАТЕ́З *м мед.* диатез (организмнинг касалга мойиллик ҳолати).

ДИАТЕРМИЯ *ж мед.* диатермия (юқори частотали ток билан қиздириб даволаш).

ДИАТЕРМИ́ЧЕСКИЙ, -ая, -ое диатермияга оид; диатермик; диатермия...

ДИАФИ́ЛЬМ *м* диафильм, диапозитив фильм; **де́тские** ~**ы** болалар диафильмлари; **пока́з** ~**ов на уро́ке** дарсда диафильмлар кўрсатиш.

ДИАФРА́ГМА *ж* 1 *анат.* диафрагма (кўкрак-қурсоқ пардаси); 2 *спец.* диафрагма; парда; тўсиқ; ~ **фотоаппара́та** фотоаппарат диафрагмаси.

ДИАХРО́НИЯ *ж лингв.* диахрония, тарихий тадрижийлик (тил ҳодисаларининг ривожланишида).

ДИВ *м миф.* дев.

ДИВАН I *м* диван; **спать на** ~**е** диванда ухламоқ; ~**-крова́ть** диван-кровать.

ДИВАН II *м* девон, вазирлар ҳайъати (баъзи Шарқ мамлакатларида).

ДИВАН III *м* девон, шеърлар тўплами; ~ **Навои́** Навоий девони.

ДИВАННЫЙ, -ая, -ое диванга оид; диван...; ~**ая поду́шка** диван ёстиғи.

ДИВЕРГЕ́НЦИЯ *ж* дивергенция, тафовут, фарқ, ўзгариш; ~ **зву́ков** *лингв.* товушлар дивергенцияси, товушларнинг ўрнига қараб ўзгариши

ДИВЕРСА́НТ *м* диверсант, қўпорувчи.

ДИВЕРСА́НТСКИЙ, -ая, -ое диверсантга, қўпорувчига оид; диверсант(лар)...; қўпорувчи(лар)...

ДИВЕРСИО́ННЫЙ, -ая, -ое диверсиядан (қўпорувчиликдан) иборат бўлган; диверсион; диверсия..., қўпорувчилик...; қўпорувчи(лар)...; ~**ый акт** диверсия акти; диверсия, қўпорувчилик; ~**ая гру́ппа** диверсион группа, қўпорувчилар группаси.

ДИВЕ́РСИЯ *ж* диверсия, қўпорувчилик; **экономи́ческая** ~ иқтисодий диверсия.

ДИВЕРТИСМЕ́НТ *м* дивертисмент, қўшимча концерт программаси.

ДИВИДЕ́НД *м эк.* дивиденд (акциядан келган даромад, акциядорлар даромади).

ДИВИЗИО́Н *м* дивизион (артиллерия, кавалерия ва танк қўшинларида: бўлинма, қисм; ҳарбий флотда: бир турдаги кемалар қўшилмаси); **артиллери́йский** ~ артиллерия дивизиони; ~ **миноно́сцев** миноносецлар дивизиони.

ДИВИЗИО́ННЫЙ, -ая, -ое дивизионга ва дивизияга оид; дивизион...; дивизия...; ~**ая артилле́рия** дивизия артиллерияси; ~**ый команди́р** 1) дивизион командири; 2) дивизия командири.

ДИВИ́ЗИЯ *ж* дивизия (бир неча полкдан иборат ҳарбий қисм); **моторизо́ванная** ~ моторлаштирилган дивизия; **пехо́тная** ~ пиёда аскарлар дивизияси.

ДИВИ́ТЬ, -влю́, -ви́шь *несов. разг. кого-что* ажабландирмоқ, ҳайрон қилмоқ, ҳайратда қолдирмоқ.

ДИВИ́ТЬСЯ, -влю́сь, -ви́шься *несов.* (*сов.* **подиви́ться**) *разг.* 1 *кому-чему* ажабланмоқ, ҳайрон бўлмоқ, ҳайратда қолмоқ; 2 *на кого-что* ажабланиб (ажабсиниб) қарамоқ, ҳайрон бўлиб (оғзи очилиб) қараб қолмоқ, анқайиб қараб қолмоқ.

ДИВНО *нареч.* ҳаммани ҳайрон қолдириб, жуда яхши, жуда соз, ажойиб, ғалати; **певе́ц** ~ **испо́лнил наро́дные пе́сни** ашулачи халқ қўшиқларини жуда соз ижро этди.

ДИВН/ЫЙ, -ая, -ое; -вен, -вна 1 ажиб, қизиқ, ғалати; кишини ҳайратда қолдирадиган, ҳайратли, ҳайратомуз; ~**ая судьба́** ҳайратли тақдир; 2 жуда яхши, жуда соз, ажойиб; **у него́** ~**ый го́лос** унинг жуда яхши (ажойиб, чиройли) овози бор; **сего́дня** ~**ая пого́да** бугун кун жуда яхши.

ДИВО *с разг.* ажойиб бир нарса, мўъжиза; **что за** ~**!** во ажаб, бу қандай мўъжиза!; ~, **что он оста́лся жив** унинг тирик қолгани жуда ажойиб; ✦ **ди́ву да́ться** жуда ҳам ажабланмоқ, ҳайратда қолмоқ; **на** ~ жуда яхши, жуда соз; ҳайрон қоларли; ~ **ди́вное** жуда ҳам ажойиб нарса.

ДИВЧИ́НА *ж прост.* қизча, қизғина.

ДИГИТА́ЛИС *м* дигиталис (доривор ўсимлик тури).

ДИДАКТИ́ЗМ *м* **дидактизм, насиҳатомузлик, насиҳатгўйлик.**

www.ziyouz.com kutubxonasi

ДИДАКТИК *м* дидактика мутахассиси; дидактика ўқитувчиси.

ДИДАКТИКА *ж* дидактика (педагогиканинг умумий таълим-тарбия методларидан баҳс этадиган бўлими).

ДИДАКТИЧЕСК/ИЙ, -ая, -ое 1 дидактикага оид; дидактик; таълим-тарбиявий; дидактика...; ~**ий матери́ал** дидактик материал; 2 ўгитли, панд-насиҳатли; панд-насиҳатдан иборат бўлган, насиҳатомуз; дидактик; ~**ий тон** насиҳатомуз оҳанг; ~**ая по́весть** дидактик повесть; ~**ая литерату́ра** дидактик адабиёт; панд-насиҳатдан иборат бўлган адабиёт.

ДИЕ́З *м муз.* диез (нота белгиси).

ДИЕ́Т/А *ж* диета, овқатланиш тартиби; парҳез; **моло́чная** ~**а** сутли диета; **соблюда́ть** ~**у** парҳез қилмоқ, парҳез сақламоқ; **быть на** ~**е** парҳезда (парҳездор) бўлмоқ, парҳез тутмоқ (сақламоқ).

ДИЕТВРАЧ *м, р.* **-а́** диетврач (диета бўйича мутахассис врач).

ДИЕТЕТИКА *ж* диететика (овқатланиш тартиби ҳақидаги фан).

ДИЕТЕТИ́ЧЕСКИЙ, -ая, -ое диететикага оид; диететик; диететика...

ДИЕТИ́К *м разг.* парҳез сақловчи одам, парҳездор.

ДИЕТИ́ЧЕСК/ИЙ, -ая, -ое диетик; парҳезли; ~**ое пита́ние** диетик овқат, парҳезли овқат; ~**ая столо́вая** диетик ошхона, парҳез ошхонаси.

ДИЕТО́ЛОГ *м* диетолог, парҳезшунос.

ДИЕТПИТА́НИЕ *с* (диети́ческое пита́ние) диетик овқат, парҳез(ли) овқат; парҳезли овқатланиш.

ДИЕТОТЕРАПИ́Я *ж спец.* диетотерапия; диета (парҳез) билан даволаш.

ДИЕТСТОЛО́ВАЯ *ж* (диети́ческая столо́вая) диетик ошхона, парҳездорлар ошхонаси.

ДИЗАЙН *м* дизайн (саноат эстетикасига оид расм).

ДИЗАЙНЕР *м* дизайнер (саноат эстетикаси бўйича мутахассис рассом).

ДИЗЕЛИ́СТ *м* дизелист, дизелчи мутахассис, инженер.

ДИЗЕ́ЛЬ *м* дизель.

ДИЗЕ́ЛЬ-МОТО́Р *м* дизель-мотор.

ДИЗЕ́ЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое 1 дизелга оид; дизель...; ~**ое то́пливо** дизель ёнилгиси; 2 дизель, дизель двигателли, дизель-мотор ўрнатилган; ~**ый по́езд** дизель поезд; дизелли (дизель двигателли) поезд; 3 *в знач. сущ.* ~**ая** *ж* дизель-ҳона, дизель ўрнатилган бино.

ДИЗЕ́ЛЬ-ЭЛЕКТРОХО́Д *м* дизель-электроход (дизель-электр двигателли кема).

ДИЗЕНТЕРИ́ЙНЫ/Й, -ая, -ое дизентерияга (ичбуруғ касаллигига) оид; **дизентерия**...; ичбуруғ...; ~**е па́лочки** дизентерия таёқчалари; ~**й больно́й** дизентерия (ичбуруғ) касаллиги билан оғриган бемор; ичбуруғ.

ДИЗЕНТЕРИ́Я *ж* дизентерия, ичбуруғ.

ДИКА́РКА *ж, р. мн.* **-рок** *см.* **дика́рь** 1, 2.

ДИКА́РСКИЙ, -ая, -ое ваҳший, ваҳшиёна; ёввойиларча.

ДИКА́РЬ *м, р.* **-ря́** 1 ёввойи одам, ваҳший; 2 *перен. разг.* кишиларга қўшилмайдиган одам; тортинчоқ одам; одамови, одамёввойи, шўртумшуқ; 3 *перен. разг.* ўзича (ўз бошига) дам олувчи (путёвкасиз дам олиш жойига борган одам).

ДИ́К/ИЙ, -ая, -ое 1 ёввойи, ваҳший; ~**ие и полуди́кие племена́** ёввойи ва ярим ёввойи қабилалар; 2 ёввойи, қўлга ўргатилмаган; асов; ~**ие зве́ри** ёввойи ҳайвонлар; ~**ая ко́шка** ёввойи мушук; ~**ая ло́шадь** ёввойи от; асов от; 3 ёввойи, ўзи ўсган (ўсадиган); ~**ие расте́ния** ёввойи ўсимликлар; ~**ий виногра́д** ёввойи узум; 4 *перен.* тийиб олинмаган, тийиб қўйилмаган, жиловланмаган, тийиқсиз, асов; бебош; ёвуз; ~**ий нрав** бебош (ваҳшиёна хулқ-атвор); 5 *перен. разг.* келишмаган, ҳунук; ғайритабиий, аллақандай ғалати, нотаниш; ақлдан ташқари; ақлга сиғмайдиган; ~**ая вы́ходка** келишмаган қилиқ; ~**ая мысль** ақлдан ташқари (ақлга сиғмайдиган) фикр; 6 *перен.* ортиқ даражадаги, жуда қаттиқ, кучли, бениҳоя зўр, даҳшатли; ~**ая боль** жуда қаттиқ оғриқ; ~**ая зло́ба** бениҳоя зўр ғазаб; 7 одам оёғи етмаган, ёввойи, нообод; ~**ие ска́лы** одам оёғи етмаган қоялар; 8 *перен.* кишиларга қўшилмайдиган, одамовн, одамёввойи; **тортинчоқ**; ~**ий ребёнок** одамови бола; тортинчоқ бола; 9 *разг.* ғайрирасмий; ўзича иш кўрадиган ~**ая арте́ль** ғайрирасмий артель; ✦ ~**ое мя́со** *разг.* бегона эт (узоқ битмаган ярада ҳосил бўлган эт).

ДИ́КО *нареч.* 1 ғайритабиий равишда, ғалати, ҳеч кўрмагандек, таажжуб билан; ~ **озира́ться по сторона́м** ҳамма ёққа ғалати (ҳеч кўрмагандек) аланглаб қарамоқ; 2 ёввойи ҳолда; ~ **расти́** ёввойи ҳолда ўсмоқ; 3 *безл. в знач. сказ. разг.* келишмаган (ақлга тўғри келмайдиган) бир иш; бемаънилик; ~ **задава́ть таки́е вопро́сы** бундай савол бериш келишмаган бир иш (беъманилик).

ДИКОБРА́З *м* жайра.

ДИКОВИ́Н/А *ж разг.* ажиб нарса, ғалати нарса; кўрилмаган, қизиқ нарса; ✦ **в** ~**у** *то же, что* **в дико́винку** *см.* **дико́винка.**

ДИКОВИНК/А *ж, р. мн.* **-нок** *разг. уменьш. от* **дико́вина** *то же, что* **дико́вина;** ✦ **в** ~**у** (быть, оказа́ться и т. п.) қизиқ; ғалати; **не в** ~**у** ҳеч қизиқ ери йўқ, биринчи марта кўраётганимиз йўқ.

ДИКОВИ́НН/ЫЙ, -ая, -ое ажиб, ғалати, қизиқ; ҳеч кўрилмаган, биринчи марта кўрилган; ~**ое расте́ние** ғалати ўсимлик, биринчи марта кўрилган ўсимлик.

ДИКОРАСТУ́Щ/ИЙ, -ая, -ее ёввойи (ўсимликлар ҳақида); ~**ие дере́вья** ёввойи дарахтлар; ~**ая я́блоня** ёввойи олма.

ДИКОРО́С/Ы *мн.* (*ед.* **дикоро́с** *м*) *спец.* (фойдали) ёввойи ўсимликлар; **лесны́е** ~**ы** ўрмон ёввойи ўсимликлари; **сбор** ~**ов** (фойдали) ёввойи ўсимликларни йиғиш (териш).

ДИ́КОСТ/Ь *ж* 1 ёввойилик, ваҳшийлик; маданиятсизлик; **пери́од** ~**и** ваҳшийлик даври; 2 тийиқсизлик, бебошлик; ~**ь нра́вов** феъл-атворнинг тийиқсизлиги; 3 одамовилик, одамёввойилик, шўртумшуқлик; 4 куракда турмайдиган ғап, ҳунук, бўлмағур иш, ғап ва ш. к.

ДИКТА́НТ *м* диктант, ёзма иш; **контро́льный** ~ контрол диктант.

ДИКТА́Т *м* диктат, сўзини, амрини ўтказиш, диктаторлик; **поли́тика** ~**а** ўз амрини ўтказиш (диктаторлик) сиёсати.

ДИКТА́ТОР *м* диктатор, ўз амрини ўтказувчи, ўз амри билан иш тутувчи, якка ҳоким, ҳукмдор.

ДИКТА́ТОРСКИЙ, -ая, -ое якка ҳокимиятчиликка, диктаторликка асосланган; диктаторлик...; ~ **режи́м** диктаторлик тузуми.

ДИКТА́ТОРСТВО *с* 1 диктаторлик, ҳукмронлик; ўз амрини ўтказиш, ўз амри билан иш тутиш; 2 бирор кимса диктатор (ҳукмрон) бўлиб турган давр.

ДИКТА́ТОРСТВОВА́ТЬ *несов.* диктаторлик қилмоқ, танҳо ҳукмронлик қилмоқ; ўз амрини ўтказмоқ, ўз амри билан иш тутмоқ.

ДИКТАТУ́РА *ж* диктатура; ҳокимият; ~ **пролетариа́та** пролетариат диктатураси.

ДИКТОВА/ТЬ, -ту́ю, -ту́ешь *несов.* (*сов.* **продиктова́ть**) 1 диктовка қилмоқ, айтиб ёздирмоқ; ~**ть текст докла́да** доклад текстини айтиб ёздирмоқ; 2 *перен.* қатъий буюрмоқ, айтиб ёки буюриб турмоқ; сўзини, амрини ўтказмоқ, айтганини қилдирмоқ; ~**ть свою́ во́лю** *кому-л.* ўз иродасига, амрига бўйсундирмоқ; ~**ть усло́вия ми́ра** сулҳ шартларини қабул қилдирмоқ; 3 *перен.* буюрмоқ, амр қилмоқ; **так ему́** ~**ла со́весть** виждон амри билан шундай қилди.

ДИКТО́ВК/А *ж, р. мн.* **-вок** 1 айтиб туриш, диктовка; **писа́ть под** ~**у** диктовка билан ёзмоқ; 2 *разг. то же, что* **дикта́нт;** 3 *перен.* қатъий буюриш, айтиб, буюриб туриш; буйруқ, амр.

ДИКТОР *м* диктор; ~ **всесою́зного ра́дио** Бутуниттифоқ радиосининг диктори; ~ **телеви́дения** телевидение диктори.

ДИ́КТОРСКИЙ, -ая, -ое дикторга ва дикторликка оид; дикторлик...; диктор...

ДИКТОФО́Н *м* диктофон (овоз ёзиш аппарати).

ДИ́КЦИЯ *ж* дикция (талаффуз тарзи, талаффузнинг аниқ-равшанлик даражаси); **у актёра хоро́шая** ~ актёрнинг дикцияси яхши (яъни, сўзларни аниқ-равшан айтади).

ДИЛЕ́ММ/А *ж* дилемма (1 *спец.* муҳокамада, мунозарада: тўхтам қилиниши мумкин бўлган бир-бирига зид ик-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ки ҳолдан, ҳулосадан бири; 2 **икки мушкул имконият**дан бирини танлашдан бошқа илож йўқ ҳолат; иккиланиш, тараддуд; **стоя́ть пе́ред сло́жной ~ой** оғир аҳволда тараддудланиб қолмоқ; иккиланмоқ).

ДИЛЕТА́НТ *м* дилетант, ҳаваскор, юзаки ишқибоз, шунчаки қизиқувчи.

ДИЛЕТА́НТИЗМ *м* 1 дилетантлик, ҳаваскорлик, юзаки ишқибозлик, шунчаки қизиқиш; 2 юзакичилик, юзаки қараш; **~ в иску́сстве** санъатда юзакичилик.

ДИЛЕТА́НТКА *ж, р. мн.* **-ток** дилетант аёл.

ДИЛЕТА́НТСКИЙ, -ая, -ое дилетантларга оид, ҳаваскорларга, шунчаки қизиқувчиларга хос бўлган; юзаки.

ДИЛЕТА́НТСТВО *с то же, что* **дилетантизм.**

ДИЛИЖА́НС *м* дилижанс (пассажир ва почта ташийдиган арава).

ДИЛИЖА́НСОВЫЙ, -ая, -ое дилижансга оид; дилижанс...

ДИЛОГИ́ЧЕСКИЙ, -ая, -ое икки асардан иборат бўлган, дилогик; дилогия...

ДИЛОГИЯ *ж лит.* дилогия (умумий мазмуни билан боғланган икки асар).

ДИ́НА *ж физ.* дина (куч бирлиги).

ДИНАМИ́ЗМ *м* динамизм, ҳаракатга, ўзгаришларга бойлик, жўшқинлик.

ДИНА́МИК *м* динамик, радиокарнай.

ДИНАМИК/А *ж* 1 *спец.* динамика (ҳаракат ҳақидаги фаннинг бир бўлими); 2 динамика; ўзгариш (ўсиш, ривожланиш) суръати; **~а производи́тельности труда́** меҳнат маҳсулдорлиги динамикаси; 3 жўшқинлик, ҳаракат ва ўзгаришларга бойлик, динамизм; **в э́той пье́се не хвата́ет ~и** бу пьеса ҳаракат ва ўзгаришларга камбағал.

ДИНАМИ́Т *м* динамит (портловчи модда).

ДИНАМИ́ТНЫЙ, -ая, -ое динамитга оид; динамитли; динамит...; **~ склад** динамит склади (омбори).

ДИНАМИ́ТЧИК *м* динамитчи, динамит билан портлатувчи (ишчи, мутахассис).

ДИНАМИ́ЧЕСК/ИЙ, -ая, -ое 1 динамикага оид; динамик; динамика...; **~ая си́ла** динамик куч; 2 жўшқин воқеаларга, ўзгаришларга бой; **~ий о́браз** жўшқин образ.

ДИНАМИ́ЧНОСТЬ *ж* динамиклик; жўшқинлик; **~ проце́сса** жараённинг динамиклиги; **~ мы́сли** фикр жўшқинлиги.

ДИНАМИ́ЧНЫЙ, -ая, -ое; -чен, -чна *то же, что* **динами́ческий** 2; **~ та́нец** жўшқин рақс; шўх рақс.

ДИНАМО *с нескл. то же, что* **дина́мо-маши́на.**

ДИНАМО-МАШИ́НА *ж уст.* динамо-машина, ўзгармас ток генератори.

ДИНАМО́МЕТР *м* динамометр, куч (ёки қувват) ўлчагич.

ДИНАМОМЕТРИ́Я *ж* динамометрия (кучни, қувватни ўлчаш).

ДИНА́Р *ж* динор (1 *то же, что* **дина́рий**; 2 баъзи мамлакатларда: пул бирлиги).

ДИНА́РИЙ *м* динарий (Қадимги Рим тангаси).

ДИНАСТИ́ЧЕСК/ИЙ, -ая, -ое династик, сулолавий; династия..., сулола...; **~ие интере́сы** династия манфаатлари; **~ая война́** династиялар уруши.

ДИНА́СТИЯ *ж* 1 династия, сулола; **~ Рома́новых** Романовлар сулоласи; **~ самани́дов** сомонийлар сулоласи; 2 *перен.* сулола, авлод; **~ хлопкоро́бов** пахтакорлар сулоласи, пахтакорлар авлоди.

ДИ́НГО *м нескл.* динго (Австралия ёввойи ити).

ДИНОЗА́ВР *м* динозавр (зоти қуриган судралувчи ҳайвон).

ДИНЬ-ДИНЬ *межд.* жинг-жинг, жиринг-жиринг; жангир-жунгур.

ДИО́Д *м* диод (радиолампа тури).

ДИО́ПТР *м* диоптр (геодезия асбоби, отиш қуроли ва ш. к.нинг нарсага, нишонга тўғрилаш қисми).

ДИОПТРИ́КА *ж* диоптрика (оптиканинг ёруғликнинг икки муҳитда тарқалишини ўрганадиган бўлими).

ДИОПТРИ́Я *ж* диоптрия (оптик шишаларнинг ёруғликни синдириш кучи бирлиги).

ДИПКО́РПУС *м* (дипломати́ческий ко́рпус) **дипкорпус,** дипломатик корпус, дипломатлар ҳайъати.

ДИПКУРЬЕ́Р *м* (дипломати́ческий курьёр) дипкурьер, дипломатик курьер (элчихоналар хат-хабарчиси).

ДИПЛО́М *м* 1 диплом; шаҳодатнома; **~ об оконча́нии институ́та** институтни битирганлик ҳақидаги диплом, институт дипломи; **~ кандида́та медици́нских нау́к** медицина фанлари кандидати дипломи; **~лауреа́та Госуда́рственной пре́мии** Давлат мукофоти лауреати дипломи; 2 *разг.* диплом иши, диплом; **писа́ть ~** диплом (диплом иши) ёзмоқ.

ДИПЛОМА́НТ *м* дипломант (диплом олган ёки диплом билан мукофотланган киши); **~ республика́нского ко́нкурса пиани́стов** пианистларнинг республика конкурси дипломанти.

ДИПЛОМА́НТКА *ж, р. мн.* **-ток** дипломант аёл.

ДИПЛОМА́Т *м* 1 дипломат (дипломатия билан машғул бўлган лавозимли киши); 2 *перен. разг.* муомалага (муомала билан иш битиришга) уста одам, устомон, дипломат; 3 *разг.* дипломат (портфель тури).

ДИПЛОМАТИ́ЧЕСК/ИЙ, -ая, -ое 1 дипломатияга ва дипломатларга оид, дипломатик; дипломатия...; дипломат (лар)...; **~е отноше́ния** дипломатик муносабатлар; **~й ко́рпус** дипломатик корпус, дипломатлар ҳайъати; 2 *перен.* устомонлик билан қилинган; **~й отве́т** устомонлик билан берилган жавоб; **~й подхо́д к де́лу** устомонлик билан иш тутиш.

ДИПЛОМАТИ́ЧНОСТЬ *ж* муомалага усталик, устомонлик.

ДИПЛОМАТИ́ЧНЫЙ, -ая, -ое; -чен, -чна *то же, что* **дипломати́ческий** 2.

ДИПЛОМА́ТИЯ *ж* 1 дипломатия (ҳукуматнинг халқаро муносабатларда тутган йўли ва фаолияти); 2 *перен. разг.* муомалага усталик, муомала билан иш битириш, устомонлик.

ДИПЛОМА́ТКА *ж, р. мн.* **-ток** муомалага уста аёл.

ДИПЛОМИ́РОВАННЫЙ, -ая, -ое диплом олган, дипломли; **~ инжене́р** дипломли инженер.

ДИПЛО́МНИК *м* дипломник (диплом ишини бажарувчи студент).

ДИПЛО́МНИЦА *ж см.* **дипло́мник.**

ДИПЛО́МН/ЫЙ, -ая, -ое 1 дипломга оид; диплом...; **~ое свиде́тельство** диплом шаҳодатномаси; 2 диплом олиш учун қилинган (бажарилган ёки тақдим этилган); **~ая рабо́та** диплом иши; **~ый прое́кт** диплом проекти.

ДИРЕКТИ́В/А *ж* директива, йўл-йўриқ, кўрсатма, дастур; **~ы съе́зда** съезд директивалари.

ДИРЕКТИ́ВН/ЫЙ, -ая, -ое 1 директив; йўл-йўриқ (кўрсатма) бўлган (ёки бўладиган), кўрсатма тариқасидаги; **~ое письмо́** директив хат; **~ые указа́ния** директив кўрсатмалар, йўл-йўриқлар; 2 директива (кўрсатмалар) берадиган; **~ые о́рганы** директив ташкилотлар; 3 буйруқ оҳангидаги; **~ый тон** буйруқ оҳангидаги тон; буйруқ оҳанги.

ДИРЕ́КТОР *м, мн. -а́* директор, раҳбар; **~ заво́да** завод директори; **~ шко́лы** мактаб директори.

ДИРЕКТОРА́Т *м* 1 директорат, директорлар коллегияси (йирик корхона, муассаса ёки ўқув юртларида); 2 *то же, что* **дире́кция.**

ДИРЕКТО́РИЯ *ж ист.* директория (баъзи мамлакатларда, мас., Францияда: ҳукумат номи).

ДИРЕ́КТОРСКИЙ, -ая, -ое директорга оид; директор(лар)...; **~ кабине́т** директор кабинети; **~ фонд** директор фонди, директор ихтиёридаги фонд.

ДИРЕ́КТОРСТВО *с* директорлик.

ДИРЕ́КТОРША *ж разг.* 1 директор аёл; 2 директорнинг хотини.

ДИРЕКТРИ́СА I *ж мат.* директриса (чизиқ номи); **~ пара́боды** парабола директрисаси.

ДИРЕКТРИ́СА II *ж* директриса (революциядан илгариги Россияда: қизлар мактабининг бошлиғи).

ДИРЕ́КЦИ/Я *ж* дирекция (1 директор раҳбарлигидаги маъмурият; **~я заво́да** завод дирекцияси; 2 шу маъмурият жойлашган бино; **заседа́ние состои́тся в ~и теа́тра** мажлис театр дирекциясида бўлади).

ДИРИЖА́БЕЛЬНЫЙ, -ая, -ое дирижаблга оид; дирижабль...; **~ мото́р** дирижабль мотори.

ДИРИЖАБЛЕСТРОЕ́НИЕ *с* **дирижаблсозлик, дирижабль қуриш.**

www.ziyouz.com kutubxonasi

ДИРИЖАБЛЕСТРОИТЕЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое дирижабль қурадиган, дирижабль қуриш...; дирижаблсозлик...; **~ая те́хника** дирижаблсозлик техникаси.

ДИРИЖА́БЛЬ *м* дирижабль.

ДИРИЖЁР *м* дирижёр; **~ оркéстра** оркестр дирижёри.

ДИРИЖЁРСК/ИЙ, -ая, -ое дирижёрга оид; дирижёр(лар)...; дирижёрлик...; **~ое отделе́ние** дирижёрлик бўлими; **~ая па́лочка** дирижёр таёқчаси.

ДИРИЖИРОВА́ТЬ *несов. чем* дирижёрлик қилмоқ, бошқармоқ; **~ симфони́ческим оркéстром** симфоник оркестрга дирижёрлик қилмоқ.

ДИРХЕ́М *м* дирҳам (Марокашда пул бирлиги).

ДИСГАРМОНИРОВА́ТЬ, -рует *несов. с чем* 1 гармонияни бузмоқ, носоз, нооҳангдош бўлмоқ; 2 *перен.* ноинтифоқ бўлмоқ, келишмаслик.

ДИСГАРМОНИ́ЧНЫЙ, -ая, -ое; -чен, -чна гармониясиз; носоз, ҳамоҳанг бўлмаган, нооҳангдош.

ДИСГАРМО́НИЯ *ж* 1 *муз.* дисгармония, гармониясизлик, нооҳангдошлик, ҳамоҳанг эмаслик, носозлик, гармониянинг бузилиши ёки йўқлиги; 2 *перен.* ноинтифоқлик, келишмовчилик.

ДИСК *м* 1 диск(а), лаппак, тўғарак; **~ ма́ятника** маятник диски; **соревнова́ния по мета́нию ~а** диск отиш мусобақаси; 2 диск, магазин (отиш қуролларида); **~ автома́та** автомат диски (магазини); 3 гардиш; **~ Луны́** Ой гардиши.

ДИ́СКАНТ и **ДИСКА́НТ** *м* дискант (болаларга хос баланд ингичка овоз ва шундай овозли ашулачи).

ДИСКА́НТОВ/ЫЙ, -ая, -ое дискант (ингичка) овоз учун белгиланган (ёзилган); дискант...; **~ая па́ртия** дискант (ингичка овоз учун белгиланган) партия.

ДИСКВАЛИФИКА́ЦИЯ *ж* дисквалификация (1 квалификациясини, ихтисосини йўқотиш; 2 бирор иш, касб билан шуғулланишга нолойиқ деб топиш ёки ундан маҳрум этиш; 3 *спорт.* ўйинда қатнашишдан маҳрум этиш, мас., футболчини).

ДИСКВАЛИФИЦИРОВА́ТЬ *сов.* и *несов. кого-что* дисквалификация қилмоқ, маҳрум этмоқ; **~ спортсме́на** спортчини ўйинда қатнашишдан маҳрум этмоқ.

ДИСКВАЛИФИЦИРОВА́ТЬСЯ 1 *сов.* и *несов.* квалификациясини, ихтисосини йўқотмоқ; 2 *несов. страд. от* **дисквалифици́ровать.**

ДИСКОБО́Л *м* диск отувчи спортсмен.

ДИСКОВА́ТЬ, -ку́ю, -ку́ешь *несов. что с.-х.* ерга дискли борона (ёки культиватор) билан ишлов бермоқ.

ДИ́СКОВ/ЫЙ, -ая, -ое 1 дискли; диск(а)...; **~ая борона́** дискли мола; **~ый культива́тор** дискли культиватор; 2 диск (гардиш) шаклидаги, дисксимон, доправий, тўғарак, гардиш; **~ая пила́** диск (тўғарак, гардиш) арра.

ДИСКО́НТ *м фин.* дисконт (муддати тўлмаган векселни ҳисобга олиш ва ундан ушлаб қолинадиган ҳақ).

ДИСКО́НТН/ЫЙ, -ая, -ое *фин.* дисконтга оид; дисконт...; **~ая опера́ция** дисконт операцияси; **~ый проце́нт** дисконт проценти.

ДИСКРЕДИТА́ЦИЯ *ж* 1 дискредитация, обрўсизланиш, обрў-эътиборини йўқотиш, бадном бўлиш; 2 дискредитация, обрўсизлантириш, обрў-эътиборини тўкиш, бадном қилиш.

ДИСКРЕДИТИ́РОВАНИЕ *с то же, что* **дискредита́ция** 2.

ДИСКРЕДИТИ́РОВАТЬ *сов.* и *несов., кого-что* беобрў қилмоқ, обрўсизлантирмоқ, обрў-эътиборини тўкмоқ, бадном қилмоқ.

ДИСКРИМИНАЦИО́ННЫЙ, -ая, -ое дискриминацион, камситувчи, таҳқирловчи, ҳақ-ҳуқуқини чеклашга, камситишга қаратилган; **~ая поли́тика** дискриминацион сиёсат, дискриминация сиёсати.

ДИСКРИМИНА́ЦИЯ *ж* дискриминация, камситиш, таҳқирлаш, ҳақ-ҳуқуқини чеклаб қўйиш, ҳуқуқ жиҳатидан баравар кўрмаслик; **~ в торго́вле** савдо муомалаларидаги дискриминация; **ра́совая ~** ирқий дискриминация, ирқий камситиш.

ДИСКРИМИНИ́РОВАТЬ *сов.* и *несов. кого-что* дискриминация қилмоқ, камситмоқ, таҳқирламоқ, ҳақ-ҳуқуқини чеклаб қўймоқ, ҳуқуқ жиҳатидан баравар кўрмаслик.

ДИСКУРСИ́ВН/ЫЙ, -ая, -ое *филос.* дискурсив, мантиқий фикрлашга асосланган; **~ое позна́ние** дискурсив билиш.

ДИСКУССИО́ННЫЙ, -ая, -ое 1 дискуссион, мунозарали; мунозарага, баҳсга сабаб бўлган; **~ый вопро́с** мунозарали масала; **в ~ом поря́дке** мунозара тариқасида, мунозара йўли билан; 2 жанжалли, тортишувли, дудмол.

ДИСКУССИ́РОВАТЬ *несов. то же, что* **дискути́ровать.**

ДИСКУ́ССИ/Я *ж* дискуссия, мунозара, мубоҳаса, баҳс, тортишув; **в поря́дке ~и** мунозара тариқасида, мунозара йўли билан.

ДИСКУТИ́РОВАТЬ *несов. что* или *о чём* мунозара қилмоқ, баҳслашмоқ, тортишмоқ.

ДИСЛОКАЦИО́ННЫЙ, -ая, -ое 1 *воен.* дислокацияга, жойлашувга оид; дислокация...; **~ый план** дислокация плани; 2 *геол.* дислокация (силжиш) билан боғлиқ бўлган, дислокация (силжиш) натижасидаги; **~ое землетрясе́ние** силжиш натижасидаги зилзила.

ДИСЛОКА́ЦИЯ *ж* 1 *воен.* дислокация, жойлашиш, жойлашув; жойлаштириш; **~ войск** қўшинларни жойлаштириш; қўшинларнинг жойлашуви; 2 *геол.* дислокация, силжиш (ер қатламларининг силжиши); 3 *мед.* дислокация, жойидан кўчиш, чиқиш.

ДИСЛОЦИ́РОВАТЬ *сов.* и *несов. кого-что воен.* дислокация қилмоқ, жойлаштирмоқ; **~ войска́** қўшинларни жойлаштирмоқ.

ДИСЛОЦИ́РОВАТЬСЯ 1 *сов.* и *несов. воен.* жойлашмоқ, ўрнашмоқ; 2 *сов. геол.* силжимоқ; 3 *несов. страд. от* **дислоци́ровать.**

ДИСПАНСЕ́Р *м* диспансер, шифохона; **туберкулёзный ~** сил касаллиги диспансери, сил шифохонаси.

ДИСПАНСЕРИЗА́ЦИЯ *ж* диспансеризация (диспансерлар томонидан ўтказадиган тадбир-чоралар системаси).

ДИСПАНСЕ́РН/ЫЙ, -ая, -ое диспансерга оид; диспансер...; **~ое наблюде́ние** диспансер томонидан ўтказиладиган кузатиш.

ДИСПЕПСИ́ЧЕСКИЙ, -ая, -ое диспепсияга оид; диспепсия...

ДИСПЕ́ПСИЯ *ж* диспепсия (меъда ва ичакларда овқатнинг сингмаслиги ва шунинг оқибатидаги касаллик).

ДИСПЕРСИО́ННЫЙ, -ая, -ое *физ.* дисперсион; дисперсияловчи; дисперсия...; **~ая среда́** дисперсион муҳит; дисперсияловчи муҳит; **~ые при́змы** дисперсияловчи призмалар.

ДИСПЕ́РСИЯ *ж физ.* дисперсия, ёйилиш, ажралиш; ёйиш, ажратиш; майда зарраларга бўлиш, бўлиниш; **~ зву́ка** товуш дисперсияси; **~ све́та** ёруғлик дисперсияси (ёруғликнинг таркибий қисмларга ажралиши).

ДИСПЕ́РСН/ЫЙ, -ая, -ое *физ.* ёйилган, ажралган; майда зарраларга бўлинган, дисперсион; **~ая систе́ма** дисперсион система (мас., туман, тутун, коллоидал эритма ва ш. к.).

ДИСПЕ́ТЧЕР *м* диспетчер (марказлашган бошқарув пункти ёки системасининг ходими); **~ предприя́тия** корхона диспетчери; **~ автоба́зы** автобаза диспетчери.

ДИСПЕТЧЕРИЗА́ЦИЯ *ж* диспетчеризация, бошқарувни марказлаштириш.

ДИСПЕ́ТЧЕРСК/ИЙ, -ая, -ое 1 диспетчерга ва диспетчерликка оид; диспетчер(лар)...; диспетчерлик...; **~ий пункт** диспетчерлик пункти; **~ая систе́ма** диспетчерлик системаси, марказлашган бошқарув системаси; 2 *в знач. сущ.* **~ая** *ж* диспетчерхона, диспетчерлар хонаси.

ДИСПОЗИЦИО́ННЫЙ, -ая, -ое диспозицияга оид, диспозицион; диспозиция...

ДИСПОЗИ́ЦИЯ *ж воен.* диспозиция, қўшинларнинг жойлашуви, позицияси.

ДИСПРОПО́РЦИЯ *ж* диспропорция, номутаносиблик; мутаносиб (уйғун, мос) эмаслик.

ДИ́СПУТ *м* диспут, очиқ мунозара, тортишув.

ДИСПУТИ́РОВАТЬ *несов. книжн.* диспутда, мунозарада қатнашмоқ, мунозара қилмоқ, тортишмоқ.

ДИССЕРТАБЕ́ЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое; -лен, -льна *разг.* диссертация бўладиган, диссертациябоп; **~ая те́ма** диссертациябоп мавзу.

ДИССЕРТА́НТ *м* диссертант, диссертация ёқловчи.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ДИССЕРТАНТКА *ж, р. мн.* **-ток** диссертантка, диссертация ёкловчи аёл.

ДИССЕРТАЦИ/Я *ж* диссертация; **кандида́тская ~я** кандидатлик диссертацияси; **защища́ть ~ю** диссертация ёқламоқ.

ДИССЕРТАЦИОНН/ЫЙ, -ая, -ое диссертацион; диссертация...; **~ая тема** диссертация темаси.

ДИССИДЕ́НТ *м* диндан қайтган, муртад.

ДИССИМИЛЯТИВНЫЙ, -ая, -ое диссимиляцияга оид; диссимилятив; диссимиляция...; **~ проце́сс** диссимиляция процесси.

ДИССИМИЛЯЦИЯ *ж* диссимиляция (1 ўзга тус, кўриниш олиш, ўзгариш; 2 *биол.* организмда моддаларнинг содда кўринишга ўтиб ўзлашуви, ўзлаштирилиши).

ДИССОНА́НС *м* 1 *муз.* диссонанс (товуш, оҳанг уйғунсизлиги; ҳамоҳанг бўлмаган, уйғунлашмаган товушлар йиғиндиси); 2 *перен.* келишмовчилик, носозлик, уйғунсизлик, ихтилоф: **внести́ ~ в рабо́ту** ишдаги уйғунликни бузмоқ, ишга ихтилоф солмоқ.

ДИССОНИ́РОВАТЬ, -рует *несов. муз.* оҳангдошликни, уйғунликни бузмоқ, оҳангдош бўлмаган (уйғунлашмаган) товуш бермоқ.

ДИССОЦИАЦИЯ *ж хим. физ.* диссоциация, ажралиш (таркибий қисмларга).

ДИСТА́НЦИОННО *нареч.* узоқдан (масофадан) туриб; узоқдан, масофадан; **управля́ть ~** узоқдан (масофадан) бошқармоқ.

ДИСТА́НЦИОНН/ЫЙ, -ая, -ое масофадан (туриб) бажариладиган; дистанцион; дистанция...; **~ое управле́ние** масофадан бошқариш, узоқдан (туриб) бошқариш; **~ая тру́бка** дистанцион найча (маълум масофа ёки вақтдан кейин портлатувчи найча).

ДИСТА́НЦИ/Я *ж* 1 дистанция, масофа, оралиқ; **стрельба́ на большу́ю ~ю** узоқ масофага отиш; **держа́ть ~ю** дистанцияни (белгили оралиқни) сақламоқ (мас., ҳаракатдаги машиналар, ҳарбий қисмлар ўртасида); 2 дистанция (йўл участкаси); **нача́льник ~и** дистанция начальниги, бошлиғи.

ДИСТИЛЛИ́РОВАНН/ЫЙ, -ая, -ое дистилляция қилинган, дистилланган; соф; **~ая вода́** дистилланган сув.

ДИСТИЛЛИ́РОВАТЬ *сов.* и *несов. что* дистилляция қилмоқ, дистилламоқ, софламоқ; **~ во́ду** сувни дистилламоқ.

ДИСТИЛЛЯ́Т *м* дистиллят (дистилляция натижасида ҳосил бўлган сув, суюқлик).

ДИСТИЛЛЯ́ТОР *м* 1 дистиллятор, дистиллаш қурилмаси, аппарати; 2 дистилляция қилувчи, дистилловчи мутахассис.

ДИСТИЛЛЯЦИОННЫЙ, -ая, -ое дистилляция қиладиган, дистилловчи; дистилляция...; дистилляцион.

ДИСТИЛЛЯЦИЯ *ж* дистилляциялаш, дистиллаш (буғлантириб тоза, соф сув, суюқлик ҳосил қилиш).

ДИСТИХ *м лит.* дистих, икки мисрали шеър, байт, маснавий.

ДИСТРОФИК *м разг.* дистрофик (дистрофия касалига йўлиққан киши).

ДИСТРОФИ́ЧЕСКИЙ, -ая, -ое дистрофияга оид; дистрофик; дистрофия...

ДИСТРОФИ́Я *ж мед.* дистрофия (тўқима ва аъзоларда модда алмашинувининг бузилиши).

ДИСЦИПЛИ́Н/А I *ж* интизом, тартиб; тартиб-интизом; **парти́йная ~а** партия интизоми; **во́инская ~а** ҳарбий интизом; **трудова́я ~а** меҳнат интизоми; **фина́нсовая ~а** молиявий интизом; **соблюда́ть ~у** интизом сақламоқ, тартиб-интизомга риоя қилмоқ.

ДИСЦИПЛИ́Н/А II *ж* мустақил фан соҳаси; фан; **гуманита́рные ~ы** гуманитар фанлар; **фи́зико-математи́ческие ~ы** физика-математика фанлари.

ДИСЦИПЛИНАРН/ЫЙ, -ая, -ое интизом билан боғлаланган, интизом ўрнатиш ва уни мустаҳкамлашга қаратилган, шу мақсад учун хизмат қиладиган; интизом, интизомий...; **~ое взыска́ние** интизомий жазо (маъмурият йўли билан бериладиган жазо); **~ый уста́в** интизом устави.

ДИСЦИПЛИНИ́РОВАННОСТЬ *ж* интизомлилик, тартиблилик.

ДИСЦИПЛИНИ́РОВАННЫ/Й, -ая, -ое интизомли, тартибли; тартиб-интизомга солинган (тушган); **~е ученики́** интизомли ўқувчилар.

ДИСЦИПЛИНИ́РОВАТЬ *сов.* и *несов. кого-что* интизомга, тартибга бўйсундирмоқ, тартиб-интизомга солмоқ.

ДИСЦИПЛИНИ́РОВАТЬСЯ 1 *сов.* и *несов.* интизомга тушмоқ, тартибга келмоқ, тартиб-интизомга ўрганмоқ; 2 *несов. страд. от* **дисциплини́ровать.**

ДИТЯ́ *с, р., дат.* и *предл.* **дитя́ти,** *твор.* **дитя́тею** 1 *уст.* ёш бола, гўдак; 2 бола, фарзанд; **родно́е ~** ўз фарзанди(м); 3 болам, болагинам, қўзичоғим (мурожаат ёки эркалатиш формаси); 4 гўр одам, гўдак; 5 *перен. чего* ўғил, ўғлон, бола; **~ свободы** озодлик ўғлони (озодликда ўсган, эркинликка ўрганган одам); **~ у́лицы** кўча боласи; ✦ **~ приро́ды** *уст.* и *шутл.* табиат ўғли, фарзанди (содда, тўпори одам).

ДИТЯ́ТКО *с прост. ласк. от* **дитя́** 1—3.

ДИФИРА́МБ 1 дифирамб (қадимги юнонларнинг худоси Дионисга бағишланган мадҳия); 2 дифирамб (қасида тарзидаги асар); 3 *перен. книжн.* мадҳ, мадҳия, ортиқ мақтов; ✦ **петь ~ы** мадҳия ўқимоқ, кўкларга кўтариб мақтамоқ.

ДИФОСГЕ́Н *м* дифосген (заҳарли модда).

ДИФРАКЦИО́ННЫЙ, -ая, -ое дифракцияга оид; дифракцион; дифракция...

ДИФРА́КЦИЯ *ж физ.* дифракция (тўлқинларнинг тўсиқдан айланиб ўтиши); **~ све́та** ёруғлик дифракцияси.

ДИФТЕРИ́ЙНЫ/Й, -ая, -ое дифтерияга (бўғма касаллигига) оид; дифтерия...; бўғма касаллиги...; **~е па́лочки** дифтерия таёқчалари (бўғма касаллигини қўзғатувчи микроблар).

ДИФТЕРИ́Т *м разг. то же, что* **дифтери́я.**

ДИФТЕРИ́ТНЫЙ, -ая, -ое *то же, что* **дифтери́йный.**

ДИФТЕ́РИЯ *ж* дифтерия, бўғма (асосан болалар касаллиги).

ДИФТО́НГ *м лингв.* дифтонг (икки унлининг бир бўғинда кетма-кет, қатор келиши).

ДИФТОНГИЗА́ЦИЯ *ж лингв.* унлилашиш, унлилашиб дифтонг ҳосил қилиш.

ДИФТОНГИ́ЧЕСКИ/Й, -ая, -ое икки унлили, дифтонг...; **~е слóги** икки унлили бўғинлар.

ДИФФАМА́ЦИЯ *ж юр.* диффамация (кимсани шарманда, бадном қиладиган маълумотларни матбуотда эълон қилиш).

ДИФФЕРЕНЦИА́Л *м* дифференциал (1 *мат.* ўзгарувчан миқдорнинг чексиз кичик орттирмаси; **~ фу́нкции** функция дифференциали; 2 *тех.* автомобиль орқа гилдиракларига турлича айланиш берадиган механизм).

ДИФФЕРЕНЦИА́ЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое 1 *мат.* дифференциалга оид; дифференциал...; **~ое уравне́ние** дифференциал тенглама; 2 *тех.* дифференциалга (дифференциал механизмга) оид; дифференциал...; **~ая коро́бка** дифференциал (механизм) коробкаси; 3 дифференциация қилинган, дифференциацияланган, табақалаштирилган, даражаланган, тафовутли; **~ая ре́нта** дифференциал рента; **~ый тари́ф** дифференциацияланган (даражаланган, табақалаштирилган) тариф.

ДИФФЕРЕНЦИА́ЦИЯ *ж* дифференциация, дифференциялаш, дифференциялаштириш; дифференциялаш, фарқлаш, даражалаш, табақалаштириш; фарқланиш; табақаланиш; **~ дере́вни** қишлоқнинг (қишлоқ аҳолисининг) табақаланиши; **~ труда́** меҳнатнинг дифференциялашиши (меҳнатнинг ёшга ва бошқа белгиларга қараб тақсимланиши).

ДИФФЕРЕНЦИ́РОВАНИЕ *с по гл.* **дифференци́ровать** и **дифференци́роваться, ~ фу́нкции** функцияни дифференциаллаш (унинг дифференциалини топиш, ҳисоблаш).

ДИФФЕРЕНЦИ́РОВАННЫЙ, -ая, -ое 1 *прич. от* **дифференци́ровать**; 2 *в знач. прил.* дифференциация қилинган, дифференциацияланган, фарқ қилинган, даражаланган, табақалаштирилган; **~ая опла́та труда́** меҳнатга қараб ҳақ тўлаш.

ДИФФЕРЕНЦИ́РОВАТЬ *сов.* и *несов. что* 1 дифференциация қилмоқ, дифференцияламоқ, фарқламоқ, да-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ражаламоқ, табақалаштирмоқ; 2 *мат.* дифференциалламоқ, дифференциалини топмоқ хисобламоқ.

ДИФФЕРЕНЦИРОВАТЬСЯ 1 *сов.* и *несов.* дифференцияланмоқ, фарқланмоқ, табақалашмоқ; 2 *несов. страд. от* **дифференци́ровать.**

ДИФФУЗИО́ННЫЙ, ая, -ое диффузияга оид; диффузион; диффузия...

ДИФФУ́ЗИЯ *ж физ.* диффузия, диффузияланиш, шимилиш, сингиш; ~ **га́зов** газларнинг диффузияланиши (шимилиши, сингиши) ёки шимилиб, сингиб бир-бирига аралашиши.

ДИФФУ́ЗНЫЙ, -ая, -ое 1 *физ.* диффузия натижасида ҳосил бўлган, аралаш, қоришган, қоришиқ; ~**й свет** қоришиқ ёруғлик; 2 *лингв.* қоришиқ; ~**е зву́ки** қоришиқ товушлар.

ДИФФУ́ЗОР *м* диффузор (1 *тех.* лавлагининг ширасини ажратадиган аппарат; 2 *тех.* қувурларнинг, трубаларнинг торайган жойи; 3 *радио* мембрана).

ДИФФУНДИ́РОВАТЬ *сов.* и *несов. физ.* диффузияланмоқ, шимилмоқ, сингмоқ, шимилиб, сингиб аралашмоқ.

ДИЧА́ТЬ *несов.* (*сов.* **одича́ть**) 1 ёввойилашмоқ, ёввойи бўлиб қолмоқ, ёввойи бўлиб кетмоқ; 2 одамлардан узоқлашиб, ёввойилашиб қолмоқ, одамови (одамёввойи) бўлиб қолмоқ.

ДИЧИ́НА *ж то же, что* **дичь** 1, 2.

ДИЧИ́ТЬСЯ *несов. кого-чего разг.* одамлардан ўзини олиб қочмоқ, тортинмоқ; ~ **посторо́нних** бегоналардан ўзини олиб қочмоқ, бегонасирамоқ, ётсинмоқ, ётсирамоқ.

ДИЧКО́ВЫЙ, -ая, -ое *прил. от* **дичо́к** 1 ёввойи (ўсимлик ҳақида).

ДИЧО́К *м, р.* **-чка́** 1 ёввойи уруғдан чиққан; **я́блоня-**~ ёввойи олма; 2 *перен. разг.* бировга қўшилмайдиган одам; ёввойи, одамови, одамёввойи.

ДИЧ/Ь *ж* 1 *собир.* овланадиган ёввойи қушлар, илвасин; **лесна́я** ~**ь** овланадиган ўрмон қушлари; 2 овланган қуш гўшти; **котле́ты из** ~**и** қуш гўштидан тайёрланган котлета; 3 *разг.* куракда турмайдиган гап, бўлмағур (бемаъни) гап, сафсата; **не говори́** ~**и бу́лмағур** гапларни гапирма; **что за** ~**ы!** бу қандай бемаъни гап!; бу қандай бемаънилик!; 4 *разг.* овлоқ жой, хилват.

ДИЭЛЕКТРИ́К *м физ.* диэлектрик (электр ўтказмайдиган модда).

ДИЭЛЕКТРИ́ЧЕСКИЙ, -ая, -ое диэлектрик; электр ўтказмайдиган.

ДЛАНЬ *ж уст. высок.* қўл; кафт.

ДЛИН/А *ж* 1 узунлик; бўй; ~**а́ и ширина́** узунлиги ва кенглиги; бўйи ва эни; **в** ~**у́** узунасига, бўйламасига; **во всю** ~**у́** бор бўйича; бошдан охиригача; ~**о́ю в пять ме́тров** узунлиги беш метр; **ме́ры** ~**ы** узунлик ўлчовлари; 2 узунлик, узоқлик, давомлилик; ~**а у́лицы** кўчанинг узунлиги.

ДЛИННОБО́РОДЫЙ, -ая, -ое соқоли узун, узунсоқол, узун соқолли; ~ **дед** соқоли узун бобо.

ДЛИННОВО́ЛНОВ/ЫЙ, -ая, -ое узун тўлқинли, узун тўлқинларда ишлайдиган; ~**ая радиоста́нция** узун тўлқинли радиостанция.

ДЛИННОВОЛОКНИ́СТЫ/Й, -ая, -ое узун толали, толаси узун; ~**е сорта́ хлопча́тника** пахтанинг узун толали навлари.

ДЛИННОВОЛО́СЫЙ, -ая, -ое узун сочли, сочи узун, узун соч қўйган; ~ **ю́ноша** узун соч қўйган бола.

ДЛИННОГОЛО́ВЫЙ, -ая, -ое боши узун, боши чўзинчоқ, сўнқбош; гувалабош.

ДЛИННОНО́ГИЙ, -ая, -ое оёқлари узун, узун оёқли; ~ **а́ист** оёқлари узун лайлак.

ДЛИННОНО́СЫЙ, -ая, -ое бурни (тумшуғи) узун, узунбурун; ~ **челове́к** узунбурун одам; ~ **дя́тел** тумшуғи узун қизилиштон.

ДЛИННОПО́ЛЫЙ, -ая, -ое этаги (этаклари) узун, узун этакли; ~ **кафта́н** этаклари узун чакмон.

ДЛИННОТА́ *ж* 1 узунлик, узоқлик; 2 *мн.* **длинно́ты** узундан-узоқ жойлар; ортиқ даражада чўзиб юборилган, ортиқча тафсилотларга берилиб кетган ерлар (асар, пьеса ва ш. к. да).

ДЛИННОШЕ́/ИЙ, -яя, -ее бўйни узун, узун бўйинли; ~**ее живо́тное** бўйни узун ҳайвон.

ДЛИННОШЁРСТНЫЙ, -ая, -ое юнги узун, узун юнгли; бароқ; ~ **бара́н** узун юнгли қўй.

ДЛИННОШЁРСТЫЙ, -ая, -ое *то же, что* **длинношёрстный.**

ДЛИ́НН/ЫЙ, -ая, -ое; -нен, -нна́, -нно 1 узун, узоққа кетган, узоқ; чўзиқ, чўзинчоқ; ~**ый рука́в** узун енг; ~**ая у́лица** узун кўча; 2 *разг.* баланд бўйли, дароз, новча, найнов; ~**ый парень** новча (найнов) бола; 3 узун (керагидан ортиқ узун); **рукава́** ~**ы** енги узун (келди); 4 узун, узоқ давом этган (этадиган), давомли; ~**ый переры́в** узун (узоқ) танаффус; ✦ ~**ый рубль** *прост.* мўмай пул, мўмай даромад; **гна́ться за** ~**ым рублём** мўмай даромад кетидан қувмоқ; ~**ый язы́к** *у кого разг. см.* **язы́к.**

ДЛИ́ТЕЛЬНОСТЬ *ж* давомлилик, узоқлик; давом этиш вақти, муддати; ~ **рабо́чего дня — во́семь часо́в** иш куни — саккиз соат; ~ **поле́та** (қанча) учиш вақти; учишнинг қанча давом этиши (этганлиги).

ДЛИ́ТЕЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое; -лен, -льна узоқ давом этган (ёки этадиган); узоққа чўзилган (чўзиладиган); узоқ муддатли; узоқ давомли; ~**ое вре́мя** узоқ вақт; **в тече́ние** ~**ого вре́мени** узоқ вақт давомида; ~**ый мир** узоқ вақт давом этган тинчлик; ~**ый о́тпуск** узоқ муддатли отпуска; ~**ое молча́ние** узоқ вақт жим бўлиб кетиш (қолиш); давомли (узоқ) сукунат.

ДЛИ́ТЬ, длю, длишь *несов. что уст.* узоққа чўзмоқ, узайтирмоқ, давом эттирмоқ; ~ **спо́ры** жанжални чўзмоқ; баҳсни давом эттирмоқ.

ДЛИ́ТЬСЯ, дли́тся *несов.* (*сов.* **продли́ться**) чўзилмоқ, давом этмоқ; **опера́ция дли́лась три часа́** операция уч соат давом этди (уч соатга борди, чўзилди); **боле́знь дли́тся второ́й ме́сяц** касаллик икки ойдан бери давом этиб келади; икки ойдан бери касал.

ДЛЯ *предлог с р.* 1 учун; **йўлида, йўлига**; -га; ... деб; **всё** ~ **побе́ды** ҳамма нарса ғалаба учун; ~ **меня́** мен учун; менга; мени деб; **купи́ть игру́шки** ~ **дете́й** болаларга ўйинчоқ олмоқ; **кури́ть вре́дно** ~ **здоро́вья** чекиш соғлиқ учун (соғлиққа) зарар; 2 -га аталган, учун белгиланган; **шкаф** ~ **белья́** кийим жавони; **литерату́ра** ~ **дете́й** болалар адабиёти; болаларга аталган (болалар учун белгиланган) адабиёт; 3 *разг.* учун, мақсадда, мақсад билан; **я прие́хал** ~ **о́тдыха** дам олиш учун (мақсадида) келдим; 4 нисбатан, қараганда; **он весьма́ о́пытен** ~ **свои́х лет** у ёшлигига қарамасдан жуда тажрибали; ✦ **не́** ~ **чего** кераги (даркори, ҳожати) йўқ, беҳуда; **не** ~ **чего́ торопи́ться** шошилишнинг даркори йўқ; шошилишнинг нима кераги бор.

ДНЕВА́ЛИТЬ *несов. разг.* дневальний бўлмоқ, дневальний бўлиб турмоқ.

ДНЕВА́ЛЬНЫЙ *м, р.* **-ого** дневальний, навбатчи (казармада, лагерда).

ДНЕВА́ТЬ, днюю, дне́ешь *несов.* кундузи (куни билан) бирор жойда бўлмоқ; кунни бирор жойда ўтказмоқ; ✦ ~ **и ночева́ть** кечаю кундуз бирор жойда бўлмоқ, доим бирор жойда қолиб кетмоқ.

ДНЁВКА *ж, р. мн.* **-вок** кундузи дам олиш учун қўйиш; кундузги ҳордиқ.

ДНЕВНИ́К *м, р.* **-а́** 1 хотира дафтари; **вести́** ~ хотира дафтари тутмоқ; 2 кундалик (кундалик ишлар, воқеалар ёзиб бориладиган дафтар ва ундаги ёзувлар); ~ **во́инской ча́сти** ҳарбий қисм кундалиги; 3 кундалик дафтар; **шко́льный** ~ кундалик дафтар (мактаб ўқувчиларининг кундалик топшириқ ва ҳ. к. ёзиб бориладиган дафтари).

ДНЕВНИКО́ВЫ/Й, -ая, -ое кундаликдаги; кундалик (ёки хотира) дафтаридаги...; ~**е за́писи** кундаликдаги ёзувлар.

ДНЕВН/О́Й, -а́я, -о́е 1 кундузги, кундузи бўлган (ёки бўладиган); ~**о́й свет** кундузги ёруғлик; **в** ~**ы́е часы́** кундузги соатларда; ~**а́я сме́на** кундузги смена; 2 бир кунлик, бир кун давомидаги, бир кун давомида қилинган (ёки қилинадиган); ~**о́й за́работок** бир кунлик иш ҳақи; ~**о́й перехо́д** бир кунда босиб ўтилган (ёки ўтиладиган) йўл.

ДНЁМ *нареч.* кундузи, кундуз куни; ~**и но́чью** кечаю кундуз; ✦ ~ **с огнём** (не найти́) кундузи чироқ ёқиб ҳам топиб бўлмайди, ҳеч топиб бўлмайди.

ДНИ́ЩЕ *с* таг, туб; ~ **бо́чки** бочка тиби.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ДНО *с* 1 таг, туб, ост; ~ **реки́** дарёнинг таги (туби, ости). ~ **овра́га** жарнинг таги; **идти́ ко дну́** ҳалок бўлмоқ; 2 *мн.* **до́нья** таг, туб; **на дне бо́чки** бочка тубида; 3 *перен.* капиталистик жамиятда: тубанликка тушган, тубаникдаги кишилар; **пье́са М. Го́рького «На дне»** М. Горькийнинг «Тубанликда» пьесаси; ✦ **до дна́** батамом, тўла, тагигача, бир қатра ҳам қолдирмай; **испо́льзовать ресу́рсы до дна́** ресурслардан тўла фойдаланмоқ; **вверх дном** 1) остин-устун, тўнтарилиб, тўнкариб; чаппа; 2) остин-устун, алғов-далғов; **перевернýть вверх дном весь дом** уйни остин-устун қилмоқ; **золото́е** ~ сердаромад иш, жой; **(чтоб) ни дна ни покры́шки** *кому прост. см.* **покры́шка.**

ДНООЧИСТИ́ТЕЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое (дарё ва ҳ. к.) ўзан (туби)ни тозалайдиган; тозалаш...; ~**ые рабо́ты** (дарё ва ҳ. к.) тубини тозалаш ишлари; ~**ая маши́на** (дарё ва ҳ. к.) тубини тозалайдиган машина.

ДНОУГЛУБИ́ТЕЛЬ *м тех.* (дарё ва ҳ. к.) тубини чуқурлайдиган машина; кема.

ДНОУГЛУБИ́ТЕЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое (дарё ва ҳ. к.) тубини чуқурлайдиган; чуқурлаш...; ~**ые рабо́ты** (дарё ва ҳ. к.) тубини чуқурлаш ишлари; ~**ое су́дно** (дарё ва ҳ. к.) тубини чуқурлайдиган кема.

ДО I *предлог с р.* 1 -гача, -га қадар, -га довур; **от Хивы́ до Ташке́нта** Хивадан Тошкентгача; **до ле́та** ёзгача, ёзга қадар; **от Пу́шкина до Го́рького** Пушкиндан Горькийгача; Пушкиндан (тортиб) то Горькийга қадар; 2 **то... -гача,... -гунча; то... -га қадар; до по́лной побе́ды** тўлиқ галабага эришгунча; **крича́ть до хрипоты́** овоз бўгилгунча бақирмоқ; **до чего́ он глуп!** нақадар аҳмоқ!; 3 ...-гача бўлган, чегарасидаги; **де́ти до шестна́дцати лет** ўн олти ёшга етмаган (ўн олти ёшгача бўлган) болалар; 4 ...-гача, ...-га қадар... -дан олдин, бурун, аввал, илгари; **до войны́** урушдан олдин; **до моего́ отъе́зда** мен жўнамасимдан; **до его́ прие́зда** у келгунча, у келмасдан; 5 -та, -тача, -га қадар, -га қадар, тахминан, чамаси; қарийб; **жара́ доходи́ла до сорока́ градусов** иссиқ қирқ даражага етди; **зал вмеща́ет до двухсо́т челове́к** залга икки юз чамаси одам сиғади; 6 бирор кимсага, нарсага тааллуқлиликни, тегишлиликни билдиради; **дотро́нуться до лба** пешанасига тегмоқ, пешанасини ушлаб кўрмоқ; **мне не до шу́ток** мен ҳазиллашай деб турганим йўқ (ўзимнинг ҳазилим чиқиб турибди); **мне не до вас** менинг сиздан бошқа ташвишим ҳам бор (ташвишим ортиб ётибди); 7 батамом тўла, тўлиқ, тўла-тўкис; **до копе́йки** бир тийинини ҳам қолдирмай, батамом; **до ка́пли** бир томчи ҳам қолдирмай, батамом; **от ма́ла до вели́ка** ёшу қари, барча; ✦ **до свида́ния** хайр; кўришгунча хайр; **до за́втра** эртагача хайр.

ДО II *с нескл. муз.* до (мусиқий гамманинг биринчи нотаси).

ДО- *приставка* 1 тугалланган маъно билдирувчи феъл ясайди, мас., **добежа́ть, дописа́ть, долете́ть, докупи́ть;** 2 салбий натижага бориб етган иш-ҳаракатни ифодаловчи феъл ясайди, мас., **доигра́ться, добе́гаться;** 3 бирор пайт, воқеа-ҳодиса ва ш. к. дан олдинги маънони ифодаловчи сифат ясайди, мас., **довое́нный, дошко́льный.**

ДОАТО́МНЫЙ, -ая, -ое атом энергиясидан фойдаланиш бошланмасдан, ундан илгариги.

ДОБА́ВИТЬ, -влю, -вишь *сов.* (*несов.* **добавля́ть**) *что* ва *чего* 1 қўшмоқ, қўшиб қўймоқ, қўшиб бермоқ, қўшимча қилмоқ, яна қўшмоқ (бермоқ, солмоқ); ~ **со́ли в суп** шўрвага яна туз солмоқ; ~ **де́нег** пулдан қўшмоқ, яна пул бермоқ; 2 қўшимча қилмоқ; ~ **не́сколько строк** бир неча сатр қўшмоқ.

ДОБА́ВИ/ТЬСЯ, -ится *сов.* (*несов.* **добавля́ться**) қўшилмоқ, ортмоқ; ~**лись но́вые обя́занности** янги вазифалар қўшилди, вазифалар ортди.

ДОБА́ВК/А *ж, р. мн.* **-вок** *разг. то же, что* **добавле́ние; попроси́ть** ~и қўшимча (овқат) сўрамоқ.

ДОБАВЛЕ́НИ/Е *с* 1 *по гл.* **доба́вить;** 2 қўшилган нарса, қўшимча; плова; **примеча́ния и** ~**я** изоҳ ва қўшимчалар; **в** ~**е** қўшимча қилиб; қўшимчасига; ...унинг устига, устига устак.

ДОБА́ВЛЯТЬ *несов. см.* **доба́вить.**

ДОБА́ВЛЯТЬСЯ, -я́ется *несов.* 1 *см.* **доба́виться;** 2 *страд. от* **добавля́ть.**

ДОБА́ВОЧНЫЙ, -ая, -ое қўшимча.

ДОБЕГА́ТЬ *несов. см.* **добежа́ть.**

ДОБЕ́ГАТЬСЯ *сов. разг.* югураверіб чарчамоқ (ёки бирор шикаст орттирмоқ); ~ **до изнеможе́ния** югураверіб ҳолдан тоймоқ.

ДОБЕЖА́ТЬ, -егу́, -ежи́шь *сов.* (*несов.* **добега́ть**) югуриб бирор жойга етмоқ; бирор жойгача югуриб бормоқ; ~ **до бе́рега реки́** дарё бўйигача югуриб бормоқ.

ДОБЕЛА́ *нареч.* 1 оппоқ қилиб, оқаргунча; **отмы́ть** ~ оқаргунча ювмоқ; 2 оппоқ оқаргунча, оппоқ чўғ бўлгунча; **раскалённая** ~ **сталь** оппоқ оқаргунча қиздирилган пўлат.

ДОБЕ́ЛИВАТЬ *несов. см.* **добели́ть.**

ДОБЕЛИ́ТЬ *сов.* (*несов.* **добе́ливать**) оқлаб (оқартириб) бўлмоқ, охиригача (қолганини ҳам) оқлаб қўймоқ; ~ **сте́ны** деворларни охиригача оқлаб қўймоқ (оқлаб бўлмоқ).

ДОБЕРМА́Н *м* доберман (ит)ковуч итларнинг бир тури).

ДОБИВА́ТЬ *несов. см.* **доби́ть.**

ДОБИВА́ТЬСЯ I *несов.* 1 *см.* **доби́ться; насто́йчиво** ~ **це́ли** мақсадга эришиш учун астойдил ҳаракат қилмоқ; 2 интилмоқ, уринмоқ, орқасидан қувмоқ; ~ **сла́вы** шуҳратга интилмоқ, шуҳрат орқасидан қувмоқ.

ДОБИВА́ТЬСЯ II, -а́ется *несов. страд. от* **добива́ть.**

ДОБИРА́ТЬ *несов. см.* **добра́ть.**

ДОБИРА́ТЬСЯ *несов. см.* **добра́ться.**

ДОБИ́/ТЬ, -бью, -бьёшь *сов.* (*несов.* **добива́ть**) 1 *кого* (соғ қолдирмай) ўлдириб қўяқолмоқ, ўлдирмоқ, тамом (бир ёқлик) қилмоқ; ~ **ра́неного кабана́** яраланган (ўқ теккан) қобонни тамом (бир ёқлик) қилмоқ; 2 қолган-қутганигача тор-мор қилмоқ, батамом яксон қилмоқ; ишдан чиқармоқ; ~**ть неприя́теля** душманнинг қолган-қутганигача тор-мор қилмоқ; 3 *что* қолган-қутганигача синдириб ташламоқ, синдириб йўқ қилмоқ.

ДОБИ́ТЬСЯ, -бью́сь, -бьёшься *сов.* (*несов.* **добива́ться**) муваффақ бўлмоқ, қўлга киритмоқ, эришмоқ, қозонмоқ; ~ **побе́ды** ғалаба қозонмоқ, ғалабага эришмоқ; ~ **успе́ха** муваффақият қозонмоқ, муваффақиятга эришмоқ; ~ **повыше́ния производи́тельности труда́** меҳнат унумдорлигини оширишга эришмоқ; ✦ **не** ~ **сло́ва** (или **отве́та**) гапиртириб бўлмайди, гапиртириш қийин; **от него́ сло́ва не добьёшься** уни (бир оғиз) гапиртириш жуда қийин, уни сира гапиртириб бўлмайди.

ДО́БЛЕСТНЫ/Й, -ая, -ое; -тен, -тна *высок.* 1 жасоратли, жасур, ботир, қаҳрамон; шавкатли; ~**е танки́сты** қаҳрамон танкчилар, шавкатли танкистлар; ~**й труд** шавкатли меҳнат; 2 фидокор, қаҳрамон, жонбоз.

ДО́БЛЕСТЬ *ж высок.* 1 жасорат, ботирлик, қаҳрамонлик; шон-шавкат; **во́инская** ~ ҳарбий жасорат; жанговар шон-шавкат; 2 фидокорлик; фидокорона иш, қаҳрамонона хатти-ҳаракат, жасорат; жонбозлик; **трудова́я** ~ меҳнат жасорати; фидокорона меҳнат.

ДОБРА́СЫВАТЬ *несов. см.* **добро́сить.**

ДОБРА́ТЬ, -беру́, -берёшь *сов.* (*несов.* **добира́ть**) *кого-что* и *кого-чего* камини, етишмаганини олиб тўлдирмоқ, чаласини, қолган-қутганини ҳам олиб тамомламоқ, батамом йигиштириб, йиғиб-териб олмоқ.

ДОБРА́ТЬСЯ, -беру́сь, -берёшься *сов.* (*несов.* **добира́ться**) *до кого-чего разг.* 1 етиб олмоқ, етиб бормоқ (келмоқ); эришмоқ; ~ **до до́ма** уйга етиб олмоқ, етиб бормоқ (келмоқ); 2 *перен.* тагига етмоқ; тушуниб олмоқ; ~**до су́ти де́ла** масаланинг тагига (моҳиятига) тушуниб етмоқ, масаланинг моҳиятини англаб олмоқ; 3 пайти келганда адабини бермоқ; **погоди́, я ещё до тебя́ доберу́сь** караб тур, сенинг ҳам адабингни бериб қўяман; сенга ҳам гал келиб қолар.

ДОБРАЧНЫЙ, -ая, -ое никоҳдан олдинги, никоҳдан олдин бўлган.

ДОБРЕ *частица обл. то же, что* **добро́ II.**

ДОБРЕДА́ТЬ *несов. см.* **добрести́.**

ДОБРЕСТИ́, -еду́, -едёшь *сов.* (*несов.* **добреда́ть**) 1 зўрга (аранг) бориб етмоқ, судрала-судрала (ёки уринатуртина) етиб олмоқ; ~ **до большака́** аранг катта йўлга етиб (чиқиб) олмоқ; 2 секин-аста етиб бормоқ.

ДОБРЕ́ТЬ I *несов.* (*сов.* **подобре́ть**) хушфеъл (юмшоқ **кўнгил) бўлиб бормоқ, феъли яхшиланмоқ.**

www.ziyouz.com kutubxonasi

ДОБРЕ́ТЬ II *несов.* (*сов.* **раздобре́ть**) *разг.* семирмоқ, тўлишмоқ; семириб (тўлишиб) очилмоқ.

ДОБР/О́ I *с* **1** яхши (хайрли) иш, яхшилик, эзгулик; **~о́ и зло** эзгулик ва ёвузлик; **жела́ю вам ~а́** мен сизга яхшиликни истайман; **из э́того ~а́ не вы́йдет** бундан яхшилик чиқмайди, бундан яхшилик кутиб бўлмайди; бунинг оқибати яхши бўлмайди; **от ~а́ ~а́ не и́щут** *посл.* яхшиликка ёмонлик; **нет ху́да без ~а́** *посл. см.* **ху́до**; **2** *собир.* нарса, мол-мулк, дунё, бойлик; **наро́дное ~о́** халқ бойлиги; **чужо́е ~о́** бировнинг нарсаси (мол-мулки, дунёси); **3** *разг. пренебр.* ҳеч нарсага арзимайдиган (яроқсиз) нарса; матоҳ; **тако́го ~а́ мне и да́ром не ну́жно** бундай матоҳнинг менга текинга ҳам кераги йўқ; ✦ **помина́ть ~о́м** яхши гап (мамнуният, миннатдорлик) билан эсга олмоқ; **~о́ пожа́ловать!** хуш келибсиз!; **не к ~у́** *разг.* бу яхшиликка эмас (яхшилик келтирмайди); бу бир фалокатни бошлаб келмаса гўрга эди; **дать (получи́ть) ~о́** *на что разг.* розилик (ёки рухсат) бермоқ (олмоқ); **дать ~о́ на вы́лет** учишга рухсат бермоқ.

ДО́БРО II *частица прост.* хўп, майли; бўпти; хўп бўлади, яхши; **~, сде́лаем так!** бўпти (яхши), шундай қиламиз!

ДОБРО́ III *союз усл. с частицей* **«б»** или **«бы»** *разг.* кошки эди, кошкийди; қани энди; яхши бўлар эди; **~ бы сам сде́лал** кошкийди ўзи қилса; қани энди ўзи қилса, ўзи қилса жуда яхши бўлар эди.

ДОБРОВО́Л/ЕЦ *м, р.* **-льца 1** кўнгилли аскар; **2** ўз хоҳиши (ихтиёри) билан отилиб чиққан киши, кўнгилли, талабгор; **записа́ться ~льцем** отилиб чиқиб ёзилмоқ; ихтиёрий равишда (ўз ихтиёри, хоҳиши билан) ёзилмоқ.

ДОБРОВО́ЛЬНО *нареч.* ихтиёрий равишда, ўз ихтиёри билан, кўнгилли бўлиб, отилиб чиқиб; **он ~ пошёл в а́рмию** у ўз ихтиёри билан армияга кетди.

ДОБРОВО́ЛЬНОСТЬ *ж* ихтиёрийлик; кўнгиллилик.

ДОБРОВО́ЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое; -лен, -льна ихтиёрий, кўнгилли; ҳар кимнинг ўз ихтиёри (хоҳиши) билан қилинадиган; **~ый труд** ихтиёрий меҳнат; **~ый взнос** ихтиёрий взнос; **~ое о́бщество** кўнгилли жамият; **на ~ых нача́лах** ихтиёрий йўл билан, ихтиёрий равишда.

ДОБРОВО́ЛЬЧЕСКИЙ, -ая, -ое *прил. от* **доброво́лец** кўнгиллилардан ташкил топган; ихтиёрий равишда тузилган, ихтиёрий, кўнгилли; **~ отря́д** кўнгиллилар отряди.

ДОБРОДЕ́ТЕЛЬ *ж книжн.* яхши фазилат, яхши хислат; саховат; ҳиммат, эзгу иш.

ДОБРОДЕ́ТЕЛЬНЫЙ, -ая, -ое; -лен, -льна яхши фазилатларга (хислатларга) эга бўлган; саховатли, ҳимматли; яхши, хайрли, эзгу; **~ челове́к** яхши фазилатли киши; саховатли одам; **~ посту́пок** хайрли иш, эзгу иш, эзгулик.

ДОБРОДУ́ШИЕ *с* хушфеълик, хушмуомалалик, мулойимлик, кўнгилчанлик.

ДОБРОДУ́ШНЫЙ, -ая, -ое; -шен, -шна хушфеъл, хушмуомала, мулойим, кўнгли очиқ, кўнгилчан; **~ челове́к** хушфеъл, кўнгли очиқ одам.

ДОБРОЖЕЛА́ТЕЛЬ *м* бошқаларга яхшилик истовчи одам, хайрихоҳ, дўст, ҳомий.

ДОБРОЖЕЛА́ТЕЛЬНИЦА *ж см.* **доброжела́тель.**

ДОБРОЖЕЛА́ТЕЛЬНОСТЬ *ж* бошқаларга яхшилик исташ, хайрихоҳлик, дўстлик, ҳомийлик; **он отлича́ется ~ю** у хайрихоҳлиги билан (бошқалардан) ажралиб туради.

ДОБРОЖЕЛАТЕЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое; -лен, -льна 1 кимсага яхшилик истовчи, хайрихоҳлик қилувчи, хайрихоҳ, дўст, ҳомий; **~ый челове́к** хайрихоҳ одам; **2** хайрихоҳлик руҳидаги, хайрихоҳона; **~ое отноше́ние** хайрихоҳона муносабат, хайрихоҳлик.

ДОБРОЖЕЛА́ТЕЛЬСТВО *с* кимсага яхшилик исташ, хайрихоҳлик қилиш, хайрихоҳлик; **прояви́ть ~** хайрихоҳлик қилмоқ (кўрсатмоқ).

ДОБРОКАЧЕСТВЕННОСТЬ *ж* (юқори, яхши) сифатлилик, сифати яхшилик; асиллик, тозалик; **~ хле́ба** нонинг сифатлилиги.

ДОБРОКАЧЕСТВЕНН/ЫЙ, -ая, -ое; -вен, -венна 1 (юқори, яхши) сифатли, сифати яхши; асил; тоза; **~ые това́ры** сифатли моллар; **2** *мед.* безарар (даволаб бўладиган); **~ая о́пухоль** безарар ўсма.

ДОБРО́М *нареч. разг.* ўз ихтиёри, хоҳиши билан, ихтиёрий равишда; яхшиликча, яхшилик билан; **лу́чше ~ отда́й** яхшиликча (яъни ўз ихтиёринг билан) бер; **я тебя́ ~ прошу́** мен сендан яхшиликча сўраяпман.

ДОБРОНРАВНЫЙ, -ая, -ое; -вен, -вна *уст.* феъл-атвори жуда яхши, хушфеъл, одобли, мўмин-қобил, мўмин, ювош; **~ ма́льчик** одобли бола, ювош бола.

ДОБРОПОРЯДОЧНОСТЬ *ж* яхшилик, дурустлик, одамшавандалик.

ДОБРОПОРЯДОЧНЫЙ, -ая, -ое; -чен, -чна яхши, дуруст, одамшаванда; **~ челове́к** яхши (дуруст) одам, одамшаванда.

ДОБРОСЕРДЕ́ЧИЕ *с* юмшоқ кўнгиллик, раҳмдиллик, кўнгилчанлик; кўнгилчанлик билан қилинган иш, раҳмшафқат.

ДОБРОСЕРДЕ́ЧНОСТЬ *ж* юмшоқ кўнгиллилик, раҳмдиллилик, кўнгилчанлик.

ДОБРОСЕРДЕ́ЧНЫЙ, -ая, -ое; -чен, -чна юмшоқ кўнгил, раҳмдил, кўнгилчан, шафқатли.

ДОБРОСИ́ТЬ, -ошу, -о́сишь *сов.* (*несов.* **добра́сывать**) *что* отиб бирор жойга етказмоқ; **~ диск до черты́** диск(а)ни отиб чизиққа етказмоқ.

ДОБРОСО́ВЕСТНО *нареч.* виждон (инсоф) билан; ҳалол, виждонан; **~ вы́полнить рабо́ту** ишни ҳалол (виждон, инсоф билан, виждонан) бажармоқ.

ДОБРОСО́ВЕСТНОСТЬ *ж* ҳалоллик, виждонлилик, инсофлилик, инсоф, виждон.

ДОБРОСО́ВЕСТНЫЙ, -ая, -ое; -тен, -тна ҳалол, виждонли, инсофли; **~ рабо́тник** ҳалол ходим, виждонан ишлайдиган ходим.

ДОБРОСОСЕ́ДСКИ/Й, -ая, -ое дўстона, тотув (қўшничилик муносабатлари ҳақида); **~е отноше́ния** дўстона қўшничилик муносабатлари.

ДОБРОТА́ *ж* яхшилик, эзгулик, яхши иш.

ДОБРО́ТА *ж уст. то же, что* **доброто́ность.**

ДОБРОТНОСТЬ *ж* сифати яхшилик; юқори (яхши) сифатлилик; асиллик, тозалик; **~ това́ра** молнинг сифатлилиги.

ДОБРО́ТН/ЫЙ, -ая, -ое; -тен, -тна сифати яхши (юқори, яхши), сифатли; асил, тоза; **~ый това́р** сифатли мол; **~ая проду́кция** сифатли маҳсулот.

ДОБРОХО́Т *м уст. то же, что* **доброжела́тель.**

ДОБР/ЫЙ, -ая, -ое 1 яхши, яхшиликни аямайдиган, марҳаматли, раҳмдил, меҳрибон; мунис; **~ый челове́к** яхши одам; **у него́ ~ая душа́** унинг кўнгли юмшоқ; **~ые глаза́** меҳрибон кўзлар; **2** хуш келадиган, ёқимли, яхши; **~ые изве́стия** хушхабарлар; яхши хабарлар; **3** яхши, хайрли, эзгу; савобли; **~ые дела́** яхши ишлар, хайрли (эзгу) ишлар; **4** яқин, қалин; яхши; **на́ши ~ые друзья́** бизнинг яқин дўстларимиз; **5** яхши, аъло; (юқори, яхши) сифатли; асл, тоза; **~ое вино́** яхши вино; **~ый конь** яхши от; **~ая тради́ция** яхши анъаналар; **6** дог тушмаган, тоза, пок; яхши; **~ое и́мя** пок ном; **оста́вить по себе́ ~ую па́мять** яхши ном (хотира) қолдирмоқ; **7** *разг.* роса, кам деганда, камида; анча, бирмунча; **я ждал вас ~ых два часа́** мен сизни роса икки соат кутдим; **~ая часть пути́ про́йдена** йўлнинг анча қисми ўтилди; **нам оста́лось пройти́ ~ых пятна́дцать киломе́тров** энг камида яна ўн беш километр йўл қолди; ✦ **бу́дьте ~ы** марҳамат қилиб, агар бемалол бўлса, малол келмаса; **по ~ой во́ле** ўз ихтиёри, хоҳиши билан, ихтиёрий равишда; **лю́ди ~ой во́ли** яхши ниятли кишилар; **~ая сла́ва** яхши ном; **быть в ~ом здра́вии** соғ-саломат бўлмоқ; **~ый ма́лый** яхши одам, соддадил одам; **~ое у́тро! (~ый день, ~ый ве́чер!)** салом!; **~ой но́чи!** хайрли тун; тунингиз хайрли бўлсин; яхши ётиб туринг!; **в ~ый час!** оқ йўл; (ишингиз) хайрли бўлсин; **в ~ый путь** оқ йўл; **ой бориб, омон келинг!; всего́ ~ого!** хайр хўш! хайр, соғ бўлинг! яхши қолинг!; яхши боринг!; **чего́ ~ого** *вводн. сл. разг.* мабодо, эҳтимол, бўлиб қолиши мумкин; ... бўлса (ёки бўлмаса) майли эди; бирор кор-ҳол юз бергудай бўлса; **бюро́ (по́езд, городо́к** и т. п.) **~ых услу́г** *см.* **услу́га.**

ДОБРЯ́К *м, р.* **-а́** *разг.* яхши одам.

ДОБРЯ́ЧКА *ж, р. мн.* **-чек** *разг. см.* **добря́к.**

www.ziyouz.com kutubxonasi

ДОБУДИ/ТЬСЯ, **-ужу́сь**, **-у́дишься** *сов. кого разг.* аранг (зўрға) уйғотмоқ; **мы е́ле вас ~лись** биз сизни зўрға уйғотдик.

ДОБЫВА́ТЬ *несов. см.* **добы́ть.**

ДОБЫВАЮЩ/ИЙ, **-ая**, **-ее** *прич. от* **добыва́ть**; ✦ **~ая промы́шленность** (ер ости бойликларини) қазиб олувчи (чиқарувчи) саноат; кон саноати.

ДОБЫТЧИК *м* 1 *разг.* қазиб олувчи, чиқарувчи; кончи; **~ не́фти** нефть қазувчи; 2 *прост.* топағон, топармон, пултопар (одам).

ДОБЫ́ТЧИЦА *ж разг. см.* **добы́тчик** 2.

ДОБЫТЬ, **-бу́ду**, **-бу́дешь** *сов.* (*несов.* **добыва́ть**) *что* 1 топмоқ, излаб (ахтариб ёки бирор йўл билан) қўлга киритмоқ; **~ ну́жный инструме́нт** керакли асбобни топмоқ; **~ необходи́мую су́мму де́нег** зарур маблағни топмоқ; 2 қовлаб (қазиб) олмоқ, чиқармоқ; **~ нефть** нефть олмоқ (чиқармоқ).

ДО́БЫЧ/А *ж* қазиб олиш, чиқариш (ер ости бойликларини); **механиза́ция ~и не́фти** нефть қазиш (олиш) ишларини механизациялаштириш; 2 ўлжа; ғанимат; қўлга киритилган нарса; **вое́нная ~а** ҳарбий ўлжа; **лёгкая ~а** осонлик билан қўлга киритилган нарса, осон ўлжа; **дом стал ~ей огня́** *перен.* уй ёнғин қурбони бўлди, уй ёнғинга емиш бўлди; 3 овланган нарса, ов маҳсули; ов, сайд; **~а пушно́го зве́ря** мўйнали ҳайвонларни овлаш; овланган мўйнали ҳайвонлар.

ДОБЫЧЛИВЫЙ, **-ая**, **-ое** *прост.* ови юрган, ови бароридан келган; топағон, топармон; **~ охо́тник** ови юрган овчи.

ДОВАРИВА́ТЬ *несов. см.* **доварѝть.**

ДОВАРИВА́ТЬСЯ, **-ается** *несов.* 1 *см.* **доварѝться**; 2 *страд. от* **дова́ривать.**

ДОВАРѝТЬ *сов.* (*несов.* **дова́ривать**) *что* 1 қайнатиб яхши пиширмоқ, қиёмига етказиб пиширмоқ, қиёмига етказмоқ; **~варе́нье** мураббони қиёмига етказмоқ; 2 қайнатиб, пиширѝб бўлмоқ; батамом, ҳаммасини пиширмоқ.

ДОВАРѝ/ТЬСЯ, **-а́рится** *сов.* (*несов.* **дова́риваться**) яхши пишмоқ, яхши пишиб қиёмига етмоқ; **мя́со ещё не ~лось** гўшт ҳали яхши пишгани йўқ (пишмабди).

ДОВЕЗТѝ, **-зу́**, **-зёшь**; **-ёз**, **-езла́** *сов.* (*несов.* **довози́ть**) *кого-что* олиб бориб қўймоқ, етказмоқ (бирор транспорт воситасида); **~ до до́ма** уйига (ча) олиб бориб қўймоқ; **авто́бус довезёт вас до стадио́на** автобус сизни стадионгача олиб боради.

ДОВЕРЕННОСТ/Ь *ж* 1 ишонч қоғози; ваколатнома; **получѝть де́ньги по ~и** ишонч қоғози билан пул олмоқ; **де́йствовать по ~и** ваколатномага асосан иш қилмоқ; 2 *уст.* ишонч; **лиши́ться ~и** ишончини йўқотмоқ.

ДОВЕ́РЕНН/ЫЙ, **-ая**, **-ое** 1 *прич. от* **дове́рить**; **~ые су́ммы** ишониб берилган пул; 2 *в знач. прил.* вакил қилинган, ваколатли; ишончли; **~ое лицо́** ваколатли шахс; ишончли шахс.

ДОВЕ́РИ/Е *с* ишонч; ишониш, иноният; эътимод; **слепо́е ~е** кўр-кўрона ишониш; **пита́ть ~е** *к кому-л.* ишонмоқ; эътимод қилмоқ; **заслужѝть ~е** ишонч қозонмоқ, ишончга сазовор бўлмоқ; **его́ слова́ не заслу́живают ~я** унинг ганига ишониб бўлмайди; **по́льзоваться** *чьим-л.* **~ем** кимсанинг (олдида, кўзида) ишонч-эътиборига эга бўлмоқ; **завоева́ть ~е** ишонч(ини) қозонмоқ; **войти́ в ~е** *к кому-л.* ишончини қозонмоқ; ишончини қозониб, пинжига кириб олмоқ; **вы́йти из ~я** (или **потеря́ть ~е**) ишонч-эътиборини йўқотмоқ, бурдини кетқизмоқ; бурди кетмоқ; **злоупотребля́ть** *чьим-л.* **~ем** кимсанинг ишончини суиистеъмол қилмоқ; **вы́разить ~е прави́тельству** ҳукуматга ишонч билдирмоқ.

ДОВЕРѝТЕЛЬ *м* ишонч қоғози (ваколат ёки ваколатнома) берувчи (берган) шахс.

ДОВЕРѝТЕЛЬНИЦА *ж см.* **доверѝтель.**

ДОВЕРѝТЕЛЬНО *нареч.* 1 ишонч билан, ишониб; 2 махфий равишда, махфий, яширин.

ДОВЕРѝТЕЛЬН/ЫЙ, **-ап**, **-ое**; **-лен**, **-льна** 1 ишонч оҳангидаги, ишонч билдирувчи; эътимодли; **~ый тон** ишонч оҳангидаги гап; ишонч оҳанги; 2 ваколат берувчи, ишонч билдириб берилган; ишонч...; **~ый докуме́нт** ишонч қоғози; 3 *уст.* сир сақланадиган, сирли, махфий, хуфия; **~ое письмо́** махфий хат.

ДОВЕ́РИТЬ *сов.* (*несов.* **доверя́ть**) *кого-что кому-чему* ишонмоқ, иноният ишониб бермоқ, иноният топширмоқ; **~ де́ньги** пулини (бировга) ишонмоқ (ишониб бермоқ, бериб қўймоқ); **~ та́йну** сирини (бировга) ишонмоқ, ишониб сирини айтмоқ; **~ получѝть зарпла́ту** маошини олишни бировга ишонмоқ (топширмоқ).

ДОВЕ́РИТЬСЯ *сов.* (*несов.* **доверя́ться**) *кому-чему* ишонмоқ, иноният; ишонч билдирмоқ, ишониб кетмоқ.

ДОВЕРНУ́ТЬ *сов.* (*несов.* **довёртывать**) *что разг.* охиригача бураб киритмоқ, бураб қўймоқ, маҳкамламоқ; **~ га́йку** гайкани охиригача бураб маҳкамламоқ.

ДОВЕРТЫВА́ТЬ *несов. см.* **доверну́ть.**

ДО́ВЕРХУ *нареч.* тепасигача, учигача; лабигача; оғзигача; лиқ; лим-лим; **напо́лнить ~** лиқ тўлдирмоқ, лим-лим тўлдирмоқ.

ДОВЕ́РЧИВОСТЬ *ж* ишонувчанлик, инонувчанлик, лақмалик; **изли́шняя ~** ортиқ даражада ишонувчанлик.

ДОВЕ́РЧИВ/ЫЙ, **-ая**, **-ое** ишонувчан, инонувчан; лақма, лақ этиб тушадиган; **~ый челове́к** ишонувчан одам, лақма; **~ое отноше́ние** ишониб қараш, ишониш; лақиллаш.

ДОВЕРША́ТЬ *несов. см.* **довершѝть.**

ДОВЕРШЕ́НИЕ *с по гл.* **довершѝть**; ✦ **в ~ (всего́)** ...нинг устига; (буларнинг ҳаммаси) етмагандек; охир-пировардида.

ДОВЕРШѝТЬ *сов.* (*несов.* **довершА́ть**) *что* ниҳоясига (охирига) етказмоқ; тамомламоқ, битирмоқ; **~ на́чатое** бошланган ишни охирига етказмоқ.

ДОВЕРШѝТЬСЯ, **-и́тся** *сов.* ниҳоясига (охирига) етмоқ, тамом бўлмоқ, битмоқ.

ДОВЕРЯ́/ТЬ *несов.* 1 *см.* **дове́рить**; 2 *кому* ишонмоқ, иноният; **он мне по́лностью ~ет** у менга бутунлай ишонади.

ДОВЕРЯ́ТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **дове́риться**; 2 *страд. от* **доверя́ть.**

ДОВЕ́СИТЬ, **-е́шу**, **-е́сишь** *сов.* (*несов.* **дове́шивать**) *что* 1 келтириб тортмоқ, тарозини келтирмоқ; 2 батамом (ҳаммасини) тортиб қўймоқ, охиригача тортиб бўлмоқ.

ДОВЕ́С/ОК *м, р.* **-ска** тарозини келтириш учун қўйилган (қўшилган) парча, бўлак, қисм; **хлеб с ~ком** кичкина бўлакча қўшиб келтириб тортилган нон.

ДОВЕ́СТИ, **-веду́**, **-ведёшь** *сов.* (*несов.* **доводи́ть**) 1 *кого-что до чего* олиб бориб қўймоқ, етказиб қўймоқ, етказмоқ; **~до угла́** бурчаккача олиб бориб қўймоқ; **~ ребёнка до шко́лы** болани мактабга(ча) олиб бормоқ; 2 *что до чего* етказмоқ, олиб бормоқ; **~ *что-л.* до совершéнства** камолотга етказмоқ; **~ де́ло до конца́** ишни охирига етказмоқ (охирига олиб бормоқ); **~ до абсу́рда** абсурдга олиб бормоқ (олиб келмоқ); 3 *кого-что до чего* олиб бормоқ, олиб бориб тақамоқ, етказмоқ; дучор (гирифтор) қилмоқ; **~ *кого-л.* до слёз** кўз ёшигача олиб бормоқ, йиғлатмоқ; **~ до бе́шенства** қаттиқ ғазаблантирмоқ, ғазабини оширмоқ; **~ до кра́йности** маррасига олиб бориб тақамоқ, маррасига етказмоқ; 4 *что до чего* олиб бормоқ, етказмоқ, чўзмоқ; **~ желе́зную доро́гу до го́рода** темир йўлни шаҳаргача олиб бормоқ (етказмоқ, чўзмоқ); 5 *что до чего* етказмоқ, кўтармоқ, олиб бормоқ; **~ до ма́ксимума** максимумга етказмоқ; **~ произво́дство о́буви до миллио́на пар в год** пойабзал ишлаб чиқаришни йилига миллион жуфтга етказмоқ; ✦ **~ до све́дения** *кого* маълум қилмоқ, хабардор қилмоқ; **~ до созна́ния** *кого* онгига етказмоқ.

ДОВЕ/СТИСЬ, **-ведётся** *сов.* (*несов.* **доводи́ться**) *разг.* муяссар бўлмоқ, тўғри келмоқ; **мне ~лось побыва́ть на Моско́вской Олимпиа́де** менга Москва Олимпиадасида бўлишга тўғри келди; менга Москва Олимпиадасига бориш муяссар бўлди.

ДОВЕ́ШИВАТЬ *несов. см.* **дове́сить.**

ДОВИНТѝТЬ, **-нчу́**, **-нти́шь** *сов.* (*несов.* **довѝнчивать**) *что* охиригача бураб қўймоқ, бураб киритмоқ, маҳкамламоқ.

ДОВѝНЧИВАТЬ *несов. см.* **довинтѝть.**

ДОВЛЕ́/ТЬ, **-е́ет** *несов.* 1 *кому-чему уст.* кифоя қилмоқ, етмоқ, етарли бўлмоқ; етиб ортмоқ; 2 *над кем-чем прост.* **оғир (малол) келмоқ, малоллиги тушмоқ, босиб (эзиб) ётмоқ.**

www.ziyouz.com kutubxonasi

ДОВОД *м* далил, далил-исбот, асос; баҳона, важ; **основно́й ~** асосий далил; **приводи́ть ~ы** далил келтирмоқ; важ қилмоқ.

ДОВОДИ́ТЬ, -ожу́, -оди́шь *несов.* 1 *см.* **довести́**; 2 *спец.* меъёрига (ўлчамига) етказмоқ.

ДОВОДИ́ТЬСЯ, -ожу́сь, -оди́шься *несов.* 1 *см.* **довести́сь**; 2 *кому разг.* бирор қариндошлик муносабатида бўлмоқ; **он дово́дится мне племя́нником** у менга жиян бўлади, у менинг жиянim.

ДОВО́ДКА *ж спец.* меъёрига (ўлчамига) етказиш.

ДОВОЕ́ННЫЙ, -ая, -ое урушдан олдинги (илгариги); урушга қадар бўлган; **~ у́ровень промы́шленности** саноатнинг урушдан олдинги даражаси.

ДОВОЗИ́ТЬ, -ожу́, -о́зишь *несов. см.* **довезти́**.

ДОВОЛА́КИВАТЬ *несов. см.* **доволо́чь**.

ДОВОЛО́ЧЬ, -локу́, -лочёшь; -ло́к, -локла́ *сов.* (*несов.* **довола́кивать**) *кого-что прост.* судраб олиб бормоқ, судраб (тортиб) бориб бирор ерга етказмоқ.

ДОВО́ЛЬНО *нареч.* 1 мамнуният (хурсандлик) билан, мамнун (хурсанд) бўлиб; шодиёна; **он ~ улыба́лся** у хурсандлигидан жилмаяр эди; 2 хила, анча, хилагина, етарли даражада; **бы́ло уже́ ~ по́здно** анча кеч бўлиб қолган эди; **он ~ си́льный** у анча кучли; 3 *безл. в знач. сказ.* етар, етарли, кифоя; **с вас и э́того ~** сиз учун шу ҳам етарли; 4 етар, бўлар, бўлди; қўй(инг), бас қил(инг); **~ шали́ть!** етар шунча шўҳлигингиз!; қўйинг (бас қилинг) энди шўхликни!

ДОВО́Л/ЬНЫЙ, -ая, -ое; -лен, -льна мамнун, хурсанд, шод; мамнун (хурсанд) бўлган,, мамнуният ҳосил қилган; мамнуният (хурсандлик) ифодаловчи; **он ~ен жи́знью** у ҳаётидан хурсанд; **быть ~ьным** хурсанд бўлмоқ; **оста́ться ~ьным** *чем-л.* мамнуният ҳосил қилмоқ, ...дан мамнун (хурсанд) бўлмоқ; **у него́ ~ьный вид** у хурсанд кўринади, у кўринишдан хурсанд.

ДОВО́ЛЬСТВИ/Е *с воен.* таъминот (озиқ-овқат, кийим-кечак ва ш. к. таъминоти); **вещево́е ~е** кийим-кечак таъминоти; **де́нежное ~е** пул таъминоти (ҳарбий хизматдагиларга бериладиган пул, маош); **зачи́слить на ~е** таъминотга олмоқ; **снять с ~я** таъминотдан чиқармоқ.

ДОВО́ЛЬСТВ/О *с* 1 мамнунлик, хурсандлик, мамнуният; **испы́тывать ~о** мамнун (хурсанд) бўлмоқ; 2 *разг.* фаровонлик, мўл-кўлчилик, тўқлик; **жить в ~е** бадавлат, тўқ яшамоқ, фаровонликда яшамоқ; фаровон турмуш кечирмоқ.

ДОВО́ЛЬСТВОВАТЬ *несов. кого-что воен.* таъминламоқ, таъмин этмоқ, таъминлаб турмоқ; **~ войска́** қўшинларни таъминламоқ (таъминлаб турмоқ).

ДОВО́ЛЬСТВОВАТЬСЯ *несов.* 1 *кем-чем* кифояланмоқ, қаноатланмоқ, чекланмоқ, қониқмоқ, қаноат ҳосил қилмоқ; **~ ма́лым** оз билан кифояланмоқ, озгинага (борига) қаноат қилмоқ; 2 *всен.* таъминот олмоқ, таъминотда бўлмоқ, таъминланмоқ.

ДОВРЕМЕННЫЙ, -ая, -ое *уст.* вақтидан олдинги, бевақт.

ДОВЫБО́РЫ *мн.* қўшимча сайлов.

ДОВЫПО́ЛНИТЬ *сов.* (*несов.* **довыполня́ть**) *что* қолганини ҳам бажариб тўлдирмоқ, батамом бажармоқ, камини ҳам бажариб бўлмоқ.

ДОВЫПО́ЛНЯТЬ *несов. см.* **довы́полнить**.

ДОГ *м* дог (катта ит тури).

ДОГАДА/ТЬСЯ *сов.* (*несов.* **дога́дываться**) фаҳмламоқ, пайқамоқ, фаҳмига етмоқ, ақл билан (ақл югуртириб) билмоқ, ақл-идрок билан топмоқ; **я не ~лся спроси́ть об э́том** бу ҳақда (буни) сўраш ақлимга келмапти; **никак не ~юсь, как э́то де́лается** бу қандай қилинади, сира билолмаяпман; бунинг қандай қилинишига сира ақлим етмаяпти.

ДОГА́ДК/А *ж, р. мн.* **-док** 1 фараз, гумон, тахмин; ўй; **теря́ться в ~ах** турли ўйларга бориб охирига етолмаслик; 2 *разг.* фаҳм, фаросат, идрок; **ему́ не хвата́ет ~и** унга фаросатдан етмайди, унинг фаросати йўқроқ (камроқ).

ДОГА́ДЛИВОСТЬ *ж* фаҳмлилик, фаҳм-фаросатлилик; зеҳнлилик; **отлича́ться ~ю** фаҳм-фаросатлилиги (зеҳнлилиги) билан бошқалардан ажралиб турмоқ.

ДОГА́ДЛИВЫЙ, -ая, -ое тез фаҳмлаб (тушуниб, билиб) оладиган, фаҳми (зеҳни) ўткир, фаҳм-фаросатли, идрокли; **~ ма́льчик** фаҳмли бола.

ДОГА́ДЫВАТЬСЯ *ж несов. см.* **дога́даться**.

ДОГЛА́ДИТЬ, -а́жу, -а́дишь *сов.* (*несов.* **догла́живать**) *что* дазмолламоқ, қолганини (чаласини) ҳам дазмоллаб бўлмоқ; **~ пла́тье** кўйлакни дазмоллаб бўлмоқ.

ДОГЛА́ЖИВАТЬ *несов. см.* **догла́дить**.

ДОГЛЯДЕ́ТЬ, -яжу́, -ядишь *сов.* (*несов.* **догля́дывать**) *разг.* 1 *что* охиригача (ёки бирор еригача) кўрмоқ; **~ фильм до конца́** фильмни охиригача кўрмоқ; 2 *за кем-чем* охиригача кўз-қулоқ бўлиб турмоқ; **не ~ за ребёнком** алахсиб, боладан бехабар қолмоқ.

ДОГЛЯ́ДЫВАТЬ *несов. см.* **догляде́ть**.

ДО́ГМА *ж* догма, ақида

ДОГМА́Т *м* догмат, дин ақидалари; **~ы христиа́нства** христиан динининг ақидалари.

ДОГМАТИ́ЗМ *м* догматизм, ақидапарастлик; ақидаларга кўр-кўрона ишониш (ёпишиб олиш).

ДОГМА́ТИК *м* догматик, ақидапараст.

ДОГМАТИ́ЧЕСК/ИЙ, -ая, -ое 1 догматик; догмаларга (ақидаларга) асосланган; **~ое мышле́ние** догматик тафаккур, догматик фикрлаш; 2 қатъий, эътирозга йўл қўймайдиган; **~ий тон** қатъий оҳанг.

ДОГМАТИ́ЧН/ЫЙ, -ая, -ое; -чен, -чна *то же, что* **догмати́ческий** 2; **~ое рассужде́ние** догматик муҳокама, қатъий (ҳеч қандай эътирозга йўл қўймайдиган) муҳокама.

ДОГНА́ТЬ, -гоню́, -го́нишь *сов.* (*несов.* **догоня́ть**) 1 *кого-что* қувиб (қувлаб) етмоқ, етиб олмоқ; **~ беглеца́** қочқинни (кетидан) қувиб етиб олмоқ; 2 *кого-что до кого-чего* бирор жойгача қувиб (қувлаб) бормоқ; қувиб (қувлаб) бирор жойга етказмоқ; **~ до ле́са** ўрмонгача қувлаб бормоқ; 3 *до чего разг.* бирор даражага етказмоқ (олиб чиқмоқ, кўтармоқ); **~ урожа́йность хло́пка до пятидесяти це́нтнеров с гекта́ра** пахта ҳосилдорлигини гектаридан эллик центнерга етказмоқ; 4 *перен.* етиб олмоқ, бараварлашмоқ; **~ передовико́в** илғорларга етиб олмоқ.

ДОГОВА́РИВА/ТЬ *несов. см.* **договори́ть**; **он чего́-то не ~ет** у нима(лар)нидир айтмаяпти (яширяпти); у ҳамма гапни айтгани йўқ.

ДОГОВА́РИВАТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **договори́ться**; 2 *страд. от* **догова́ривать**; ✦ **Высо́кие Догова́ривающиеся Сто́роны** *дипл.* Мўътабар Аҳдлашувчи Томонлар.

ДОГОВО́Р *м, мн.* **-ы** и *разг.* **-а́** шартнома, аҳднома, аҳд; **ми́рный ~** тинчлик аҳди; сулҳ шартномаси; **~ о дру́жбе и взаи́мной по́мощи** дўстлик ва ўзаро ҳамкорлик ҳақидаги аҳднома; **торго́вый ~** савдо шартномаси; **коллекти́вный ~** коллектив шартнома; **~ о социалисти́ческом соревнова́нии** социалистик мусобақа шартномаси; **трудово́й ~** меҳнат шартномаси; **заключи́ть ~** шартнома тузмоқ; **расто́ргнуть ~** шартномани бекор қилмоқ.

ДОГОВОРЁННОСТ/Ь *ж* битим, келишув; тўхтам; аҳдпаймон; **у́стная ~ь** оғзаки келишув; **дости́гнуть ~и** битимга келмоқ, келишмоқ; **по ~и** *с кем-л.* кимса билан келишиб; кимса билан келишилганидек, келишувга мувофиқ; **де́йствовать на осно́ве ~и** битимга (келишувга) асосан иш қилмоқ.

ДОГОВОРИ́/ТЬ *сов.* (*несов.* **догова́ривать**) *что* бор (ҳамма) гапни айтмоқ, гапини охирига етказмоқ (тамомламоқ); гапириб бўлмоқ; **да́йте мне ~ть** рухсат этинг, мен гапириб бўлай (гапимни тамом қилай); **он не ~л свое́й мы́сли** у ўз фикрини охирига етказмади (охиригача айтмади, айтгани йўқ).

ДОГОВОРИ́/ТЬСЯ *сов.* (*несов.* **догова́риваться**) 1 *о чём* келишмоқ, битишмоқ, битимга келмоқ; гапни бир ерга қўймоқ; **нам с ва́ми на́до ~ться** биз сиз билан келишиб олишимиз керак; **~лись** келишдик; 2 *разг.* гапни алжитмоқ, гапни чўзиб, ошиқча гап айтиб қўймоқ; **~ться до нелепости** гапни чўзиб, охири бемаъни гап қилмоқ.

ДОГОВО́РНИК *м разг.* шартнома бўйича ишловчи киши.

ДОГОВО́РН/ЫЙ, -ая, -ое шартномада кўрсатилган; шартнома билан белгиланган, шартномадан келиб чиқадиган, шартлашилган; келишилган; шартнома асосидаги; **~ые обяза́тельства** шартнома юзасидан олинган мажбури-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ятлар; **на ~ых нача́лах** шартнома асосида; **~ая рабо́та** шартнома асосидаги иш.

ДОГОЛА́ *нареч.* 1 қип-яланғоч, қип-яланғоч бўлиб; қип-яланғоч қилиб; **раздéть ~** қип-яланғоч қилиб ечинтирмоқ; 2 топ-тоза қилиб, қиртишлаб, қириштириб; **остри́чь ~** сочини ёки юнгини топ-тоза қилиб олмоқ.

ДОГОНЯ́ЛКИ *мн., р.* **-лок** *разг.* қувлашмачоқ (болалар ўйини).

ДОГОНЯ́ТЬ *несов. см.* **догна́ть.**

ДОГОРА́ТЬ *несов. см.* **догорéть.**

ДОГОРЕ́/ТЬ *сов.* (*несов.* **догора́ть**) ёниб тамом бўлмоқ; ёниб (куйиб) битмоқ (тушмоқ, тугамоқ); **свеча́ ~ла** шам ёниб тамом бўлди; **дрова́ ~ли** ўтин ёниб бўлди (ёниб тушди); **заря́ ~ла** *перен.* шафақ сўнди.

ДОГРЕБА́ТЬ *несов. см.* **догрести́.**

ДОГРЕСТИ́, -гребу́, -гребёшь; догрёб, -гребла́ *сов.* (*несов.* **догреба́ть**) 1 эшкак эшиб бирор жойга етмоқ (қайиқда); **~ до бéрега** эшкак эшиб қирғоққа етмоқ; қирғоққача эшкак эшмоқ; 2 *что* (хаскаш ва ш. к. билан) йиғиб (сидириб) бўлмоқ, қолган-қутганигача сидириб йиғиб олмоқ, сидириб йиғиб қўймоқ.

ДОГРУЖА́ТЬ *несов. см.* **догрузи́ть.**

ДОГРУЖА́ТЬСЯ, -а́ется *несов.* 1 *см.* **догрузи́ться;** 2 *страд. от* **догружа́ть.**

ДОГРУЗИ́ТЬ, -ужу́, -у́зишь и **-узи́шь** *сов.* (*несов.* **догружа́ть**) 1 *что* яна (қўшимча) юк ортиб тўлдирмоқ, тўлгунча юкламоқ; **~ ваго́н** вагонга қўшимча юк ортмоқ; қўшимча (яна) юк ортиб вагонни тўлдирмоқ; 2 *что* и *чего* яна ортмоқ, камини (етмаганини, қолганини) ҳам ортиб қўймоқ; **батамом ортмоқ; ~ ки́пы хло́пка в ваго́ны** пахта тойларини батамом вагонларга ортмоқ.

ДОГРУЗИ́ТЬСЯ, -ужу́сь, -у́зишься и **-узи́шься** *сов.* (*несов.* **догружа́ться**) юк олиб бўлмоқ, юкка тўлмоқ.

ДОГРУ́ЗКА *ж по гл.* **догрузи́ть** и **догрузи́ться.**

ДОГРЫЗА́ТЬ *несов. см.* **догры́зть.**

ДОГРЫ́ЗТЬ, -ызу́, -ызёшь; -ы́з, -ы́зла *сов.* (*несов.* **догрыза́ть**) ғажиб (кемириб) тамом қилмоқ, ғажиб бўлмоқ; ғажиб еб қўймоқ.

ДОДАВА́ТЬ, -даю́, -даёшь *несов. см.* **дода́ть.**

ДОДА́ТЬ, -а́м, -а́шь, -а́ст, -адим́, -адите́, -аду́т *сов.* (*несов.* **додава́ть**) *что* и *чего* батамом бермоқ, тўла-тўкис қайтармоқ, қолганини (етмаганини) ҳам бериб бўлмоқ; **не до́дал пяти́ рубле́й** беш сўм кам берди (берибди); **~ остально́е** қолганини ҳам бермоқ; **не ~ причита́ющихся де́нег** тегишли пулнинг ҳаммасини бермай бир қисмини олиб қолмоқ.

ДОДА́ЧА *ж* 1 *по гл.* **дода́ть;** 2 қолгани, етмагани, қўшимчаси.

ДОДЕКАЭ́ДР *м мат.* додекаэдр, ўн икки ёқли.

ДОДЕ́ЛАТЬ *сов.* (*несов.* **доде́лывать**) *что* батамом битирмоқ, қолганини (чаласини) ҳам қилиб (битириб) қўймоқ, тамом қилмоқ, охирига етказмоқ; **~ уро́ки** дарсни (дарснинг чаласини) қилиб қўймоқ; **~ рабо́ту** ишнинг чаласини битирмоқ.

ДОДЕ́ЛКА *ж* 1 *по гл.* **доде́лать;** 2 ишнинг чаласи, кейин қилинган қисми.

ДОДЕ́ЛЫВАТЬ *несов. см.* **доде́лать.**

ДОДЕРЖА́ТЬ *сов.* (*несов.* **додéрживать**) 1 маълум вақтгача сақлаб (ушлаб, тутиб) турмоқ, тутиб қолмоқ; 2 -гунча сақламоқ, қолдирмоқ.

ДОДЕ́РЖАТЬСЯ *сов.* (*несов.* **додéрживаться**) маълум вақтгача ушлаб (чидаб, бардош бериб) турмоқ; бўш келмай туриб бермоқ; **~ до прихо́да подкрепле́ний** мадад келгунча бўш келмай ўз мавқеини сақламоқ.

ДОДЕ́РЖИВАТЬ *несов. см.* **додержа́ть.**

ДОДЕ́РЖИВАТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **додержа́ться;** 2 *страд. от* **додéрживать.**

ДОДУ́МАТЬ *сов.* (*несов.* **додýмывать**) *что* яхшилаб ўйлаб кўрмоқ, ўйлаб пиширмоқ; **~ до конца́** охиригача яхшилаб ўйлаб кўрмоқ.

ДОДУ́МАТЬСЯ *сов.* (*несов.* **додýмываться**) *до чего* ўйлаб бирор фикр (ёки қарорга) келмоқ; ўйлаб (ақл югуртириб) топмоқ; **~ до пра́вильного реше́ния** ўйлаб тўғри ечим (йўл) топмоқ.

ДОДУ́МЫВАТЬ *несов. см.* **додýмать.**

ДОДУМЫВА́ТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **додýматься;** 2 *страд. от* **додýмывать.**

ДОЕДА́ТЬ *несов. см.* **дое́сть;** **не ~** қорни тўймай кун кечирмоқ, очин-тўқин яшамоқ.

ДОЕЗЖА/ТЬ *несов. см.* **дое́хать;** **не ~я го́рода Маргила́на** Маргилон шаҳрига етмасдан.

ДОЕЗЖА́ЧИЙ *м, р.* **-его** бош сакбон (овда).

ДОЕ́НИЕ *с* соғиш; **~ коро́в** сигирларни соғиш.

ДОЕ́СТЬ, -е́м, -е́шь, -е́ст, -едим́, -едите́, -едя́т *сов.* (*несов.* **доеда́ть**) *что* еб бўлмоқ, еб қўймоқ, батамом еб битирмоқ.

ДОЕ́ХАТЬ, -е́ду, -е́дешь *сов.* (*несов.* **доезжа́ть**) 1 *до чего* етиб бормоқ, **етиб** олмоқ, бориб етмоқ; **~ до ме́ста назначе́ния** манзилга етмоқ, манзилга етиб олмоқ; 2 *перен. кого-что прост.* жонини кўзига кўрсатмоқ, кунини кўрсатмоқ, жонини олмоқ, жонидан тўйдирмоқ.

ДОЖ *м* дож (18-асрдан илгариги Венеция ва Генуя республикалари бошлиғининг унвони).

ДОЖА́РИВАТЬ *несов. см.* **дожа́рить.**

ДОЖА́РИВАТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **дожа́риться;** 2 *страд. от* **дожа́ривать.**

ДОЖА́РИТЬ *сов.* (*несов.* **дожа́ривать**) *что* яхшилаб тобига етказиб қовурмоқ, қовуриб яхши пиширмоқ, тобига етказмоқ; **~ котле́ты** котлетни яхшилаб қовурмоқ, қовуриб тобига етказмоқ; **~ лук** пиёзни тобига етказиб қовурмоқ.

ДОЖАРИ/ТЬСЯ *сов.* (*несов.* **дожа́риваться**) яхши қовурилмоқ, қовурилиб пишмоқ, тобига етмоқ; **мя́со ~лось** гўшт яхши қовурилди.

ДОЖА́ТЬ I, -жму́, -жмёшь *сов.* (*несов.* **дожима́ть**) *что* яхшилаб сиқмоқ, яхшилаб эзмоқ; **~ лимо́н** лимонни яхшилаб эзмоқ.

ДОЖА́ТЬ II, -жну́, -жнёшь *сов.* (*несов.* **дожина́ть**) ўриб бўлмоқ, ўриб қўймоқ, батамом ўриб олмоқ; **~ пшени́цу** буғдойни батамом ўриб бўлмоқ (ўриб қўймоқ).

ДОЖД/АТЬСЯ, -ду́сь, -дёшься *сов.* (*несов.* **дожида́ться**) 1 *кого-чего* -гунча кутмоқ, сабр қилмоқ; кута-кута етмоқ (етишмоқ, эришмоқ); кутиб олиб кўришмоқ; **~а́лись побе́ды** кута-кута ғалабага ҳам етишдик; **он ~а́лся по́езда** у поезд келгунча кутди (турди); **я не ~а́лся конца́ фи́льма** мен фильмнинг охиригача турмадим (ўтирмадим, кўрмадим); **жду не ~у́сь** кута-кута кўзим тўрт бўлди; 2 *чего* и *без доп. разг.* оқибати вой бўлмоқ, ёмон (кўнгилсиз) аҳволга бориб етмоқ, пешанаси тақ этиб тегмоқ; **ты у меня́ ~ёшься!** сеними, қараб тур!

ДОЖДЕВАЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое ёмғирлатадиган, ёмғирлатувчи; **~ая маши́на** ёмғирлатувчи машина; **~ые установ́ки** ёмғирлатувчи қурилмалар.

ДОЖДЕ́ВАНИЕ *с* ёмғирлатиш, сувни ёмғирлатиб суғориш; **~ посе́вов** экинларни ёмғирлатиш, ёмғирлатиб суғориш.

ДОЖДЕВИ́К I *м, р.* **-а́** замбуруғ (қўзиқорин) тури.

ДОЖДЕВИ́К II *м, р.* **-а́** *разг.* ёмғир ўтказмайдиган уст кийим, плаш.

ДОЖДЕВ/О́Й, -а́я, -о́е 1 ёмғирли; ёмғир...; **~ы́е ка́пли** ёмғир томчилари; **~а́я вода́** ёмғир суви; **~ы́е ту́чи** ёмғирли булут(лар); 2 ёмғирдан сақлайдиган, ёмғирда тутиладиган; **~о́й зонт** ёмғирда тутиладиган зонт; **~о́й плащ** ёмғирда кийиладиган плаш; ✦ **~ы́е че́рви** чувалчанглар.

ДОЖДЕМЕ́Р *м* ёмғир ўлчагич.

ДОЖДЕМЕ́РНЫЙ, -ая, -ое ёмғир ўлчайдиган, ёмғир ўлчаш...

ДО́ЖДИК *м уменьш. от* **дождь** *разг.* андак ёмғир; майда ёмғир; томчилаб турган ёмғир.

ДОЖДИ́НК/А *ж, р. мн.* **-нок** *разг.* ёмғир томчиси; **на зе́млю упа́ли пе́рвые ~и** ерга биринчи ёмғир томчилари томчилади (тушди).

ДОЖДИ́Т/Ь, -и́т *несов. разг.* ёғмоқ (ёмғир ҳақида); **с утра́ ~** эрталабдан бери ёмғир ёғади (ёғяпти).

ДОЖДИЧ/ЕК *м, р.* **-чка** *уменьш.-ласк. от* **до́ждик** ёмғир; ✦ **по́сле ~ка в четве́рг** (*л. м.* пайшанба куни ёмғирдан кейин) хапшанба куни, қизил қор ёққанда.

ДОЖДЛИВ/ЫЙ, -ая, -ое ёмғирли, серёмғир, ёмғир (ёғингарчилик) кўп бўлган; **~ый день** ёмғирли кун; **~ое ле́то** серёмғир ёз, ёғингарчилик кўп бўлган ёз.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ДОЖДЬ *м, р.* **-дя́** 1 ёмғир; ~ **идёт** ёмғир ёғяпти (ёғмоқда); **ме́лкий** ~ майда (майдалаб ёғаётган) ёмғир; ~ **прошёл** ёмғир ёғиб ўтди; ёмғир тўхтади; **собира́ется** ~ ёмғир ёғай деб турибди (ёғса ёғгудай); **кратковре́менный** ~ қисқа ёмғир; ~**льёт как из ведра́** ёмғир челакдаб қуйяпти (қуймоқда); **быть дождю́** ёмғир ёғадиганга ўхшайди; **в** ~ ёмғирда; ёмғир ёғаётган вақтда; **по дождю́** ёмғир кечиб; **под дождём** ёмғирда, ёмғир остида; 2 *перен.* ёмғирдай (селдай) қуйилаётган нарса оқими, ёмғир; **свинцо́вый** ~ қўрғошин (ўқ) ёмғири; **сы́паться дождём** ёмғирдай қуйилмоқ (ёғмоқ, сочилмоқ); 3 зар ип (сим), зар; ✦ **золото́й** ~ кутилмаган (осмондан тушган) катта бойлик.

ДОЖЕВА́ТЬ, -жую́, -жуёшь *сов.* (*несов.* **дожёвывать**) чайнаб бўлмоқ.

ДОЖЁВЫВАТЬ *несов. см.* **дожева́ть.**

ДОЖИВА́ТЬ *несов. см.* **дожи́ть.**

ДОЖИДА/ТЬСЯ *несов. см.* **дожда́ться** 1; **он уже́ давно́ вас** ~**ется** у сизни кўпдан бери кутади; **так он и пришёл! Дожида́йся!** кутсанг кутавер, лекин келиб бўпти!; кутиб овора бўлма!

ДОЖИМА́ТЬ *несов. см.* **дожа́ть** I.

ДОЖИНА́ТЬ *несов. см.* **дожа́ть** II.

ДОЖИ́ТИЕ *с* қолган умр, умрнинг қолган қисми, қолган кунлар; **страхова́ние на** ~ қолган умрни страхование килиш.

ДОЖИ́ТЬ, -живу́, -живёшь *сов.* (*несов.* **доживáть**) 1. *до чего* -гача (-гунча) яшамоқ (умр кўрмоқ, етмоқ, етишмоқ); ~ **до глубо́кой ста́рости** ёшини яшаб, ошини ошамоқ, қариб-чириб юрмоқ; 2 бирор ерда маълум вақтгача яшамоқ, турмоқ; ~ **неде́лю в санато́рии** санаторияда яна бир ҳафта турмоқ; **доживём ле́то здесь** ёзни бу ерда ўтказамиз; 3 *разг.* бирор аҳволга келмоқ, тушмоқ; **до чего́ ты дожи́л!** шу аҳволга келдингми, аҳволингни қара!; аҳволинг шу бўлдими!; ✦ ~ **до седи́н** *см.* **седина́.**

ДО́ЗА *ж* доза, ўлчовли миқдор (дори-дармон, нурланиш энергияси ва ш. к. ҳақида); ~ **лека́рства** дори дозаси; **смерте́льная** ~**я́да** ўлдирадиган миқдордаги заҳар; ~ **радиоакти́вного облуче́ния** радиоактив нурланиш дозаси; 2 *перен. чего* андак миқдор; ~ **ирóнии** андак киноя; ✦ **лошади́ная** ~ *шутл.* жуда катта доза.

ДОЗА́ТОР *м спец.* дозатор, дозалагич.

ДОЗВА́НИВАТЬСЯ *несов. см.* **дозвони́ться.**

ДОЗВА́ТЬСЯ, -зову́сь, -зовёшься *сов. кого* чақириб сўрга жавоб олмоқ, чақира-чақира (чорлайвериб) аранг келтирмоқ; **тебя́ не дозовёшься** чақирган билан ҳеч эшитмайсан (жавоб бермайсан ёки келмайсан).

ДОЗВОЛЕ́НИ/Е *с уст.* ижозат, рухсат; **с** ~**я нача́льства** бошлиқларнинг ижозати (рухсати) билан.

ДОЗВОЛЕ́ННЫЙ, -ая, -ое 1 *прич. от* **дозво́лить**; 2 *в знач. прил.* ижозат берилган, рухсат этилган, йўл қўйилган, мумкин бўлган, жоиз; ~**ые приёмы борьбы́** курашнинг йўл қўйиладиган (жоиз) усуллари; 3 *в знач. сущ.* ~**ое** *с* йўл қўйиладиган иш, жоиз нарса; **перейти́ грани́цы** ~**ого** йўл қўйилганидан четга чиқмоқ, ошириб юбормоқ, қуюшқондан (ҳаддан) ташқари иш қилмоқ, чегарадан чиқмоқ, ҳаддан ошмоқ.

ДОЗВОЛИ́ТЬ *сов.* (*несов.* **дозволя́ть**) *что уст.* и *прост.* ижозат бермоқ, рухсат этмоқ, йўл қўймоқ; ~ **отъе́зд** кетишга ижозат бермоқ.

ДОЗВОЛЯ́ТЬ *несов. см.* **дозво́лить.**

ДОЗВОНИ́ТЬСЯ *сов.* (*несов.* **дозва́ниваться**) *до кого-чего* и *без доп.* 1 аранг телефон қилмоқ, телефонга чақира-чақира ниҳоят гаплашмоқ; 2 звонокни босаверіб аранг эшиттирмоқ, жавоб олмоқ.

ДОЗВУКОВ/О́Й, -а́я, -о́е 1 товуш тезлигидан паст, товуш тезлигигача бўлган; ~**а́я ско́рость** товуш тезлигидан паст тезлик; 2 товуш тезлигидан паст тезликда учадиган; тезлиги товуш тезлигидан паст; ~**ой стратеги́ческий бомбардиро́вщик** тезлиги товуш тезлигидан паст стратегик бомбардимончи самолёт.

ДОЗИМЕ́ТР *м* дозиметр (радиоактив нурланиш даражасини ўлчайдиган асбоб).

ДОЗИМЕТРИ́СТ *м* дозиметрист (радиоактив нурланиш даражасини ўлчовчи мутахассис); **отря́д** ~**ов** дозиметристлар отряди.

ДОЗИМЕТРИ́ЧЕСКИЙ. -ая, -ое дозиметрияга оид, дозиметрик; дозиметрия...; ~ **контро́ль** дозиметрик контроль; ~ **прибо́р** дозиметрия асбоби.

ДОЗИМЕ́ТРИ/Я *ж* дозиметрия (радиоактив нурланиш даражасини ўлчаш ва физиканинг шу ҳақдаги бўлими); **слу́жба** ~**и** дозиметрия хизмати; **ка́федра** ~**и** дозиметрия кафедраси.

ДОЗИ́РОВАТЬ *сов.* и *несов. что* дозаламоқ, дозаларга бўлмоқ; ~ **лека́рство** дорини дозаламоқ.

ДОЗИ́РОВКА *ж* дозировка, дозалаш, дозаларга бўлиш; ~ **лека́рства** дорини дозалаш (дозаларга бўлиш).

ДОЗНАВА́ТЬСЯ *несов. см.* **дозна́ться.**

ДОЗНА́НИ/Е *с юр.* дастлабки тергов, тергов; **произвести́** ~**е** тергов қилмоқ; **о́рганы** ~**я** тергов органлари.

ДОЗНА́ТЬСЯ *сов.* (*несов.* **дознава́ться**) *разг.* суриштириб (сўроқлаб, сўраб-сўраб) аниқламоқ, аниқ билиб олмоқ; **не могу́** ~, **отку́да он прие́хал** у қаердан келганлигини сира билолмадим (билолмаяпман).

ДОЗО́Р *м* 1 *уст.* кўриб чиқиш, кўрик, назорат; **обходи́ть** ~**ом** айланиб кўриб чиқмоқ; 2 дозор (асосий қисмлардан олдинга юборилган кичик қисм, группа); **сторожево́й** ~ соқчи дозор; **быть в** ~**е** дозорда бўлмоқ; **вы́слать** ~ дозор қўймоқ (юбормоқ).

ДОЗО́РН/ЫЙ, -ая, -ое 1 дозордаги, дозорлик қилувчи, дозорчи; ~**ое су́дно** дозорчи кема; 2 *в знач. сущ.* ~**ый** *м* дозорчи; **вы́слать** ~**ых** дозорчилар қўймоқ (юбормоқ).

ДОЗРЕВА́ТЬ *несов. см.* **дозре́ть.**

ДОЗРЕ́ЛЫЙ, -ая, -ое яхши пишган, етилиб пишган, етилган (ҳўл мева ҳақида); ~ **плод** етилган (етилиб пишган) мева.

ДОЗРЕ́/ТЬ *сов.* (*несов.* **дозрева́ть**) яхши пишмоқ, етилиб пишмоқ, етилмоқ; **я́блоки** ~**ли** олма етилиб пишди, олма етилди.

ДОИГРА́ТЬ *сов.* (*несов.* **дои́грывать**) ўйнаб (ёки чалиб) охирига етказмоқ, охиригача ўйнамоқ (ёки чалмоқ), тамом қилмоқ; ~ **па́ртию в ша́хматы** шахмат партиясини тамом қилмоқ.

ДОИГРА́ТЬСЯ *сов.* (*несов.* **дои́грываться**) *до чего разг.* 1 ўйнайвериб чарчамоқ (ёки бирор шикаст орттирмоқ); 2 *перен.* енгилтаклик билан қўнгилсиз воқеага учрамоқ, фалокатга йўлиқмоқ, бирор аҳволга бориб етмоқ.

ДОИГРЫВА́ТЬ *несов. см.* **доигра́ть.**

ДОИГРЫВА́ТЬСЯ *несов. см.* **доигра́ться.**

ДОИЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое соғадиган, соғувчи; соғиш...; ~**ая устано́вка** соғиш қурилмаси.

ДОИЛЬЩИ́ЦА *ж* сут соғувчи (аёл).

ДОИМПЕРИАЛИСТИ́ЧЕСКИЙ, -ая, -ое империализмдан илгариги, империализмдан олдин бўлган, тоимпериалистик, империализмгача.

ДОИСКА/ТЬСЯ, -ищу́сь, -и́щешься *сов.* (*несов.* **дои́скиваться**) *разг.* 1 *кого-чего* қидира-қидира топмоқ; **не могу́** ~**ться ключе́й** калитларни топа олмаяпман; **наконе́ц-то я вас** ~**лся** сизни аранг топдим; 2 *чего* суриштириб аниқламоқ, тагига етмоқ; ~**ться пра́вды** ҳақиқатни аниқламоқ, ҳақиқатга эришмоқ, ҳақиқатни билмоқ.

ДОИСКИВА́ТЬСЯ *несов. разг.* 1 *см.* **доиска́ться; 2** суриштирнб билишга, тагига етишга интилмоқ, тагини суриштирмоқ.

ДОИСТОРИ́ЧЕСКИ/Й, -ая, -ое тарихдан илгариги, ёзма тарих юзага келмасдан олдин бўлган, тотарихий; тарихгача; ~**е времена́** тарихдан илгариги даврлар.

ДОИ́ТЬ, дою́, дои́шь и **до́ишь** *несов. кого-что* соғмоқ; ~ **коро́ву** сигир соғмоқ.

ДОИ́ТЬСЯ, дои́тся и **до́ится** *несов.* 1 сут бермоқ, соғилмоқ; **коро́ва хорошо́ до́ится** сигир яхши сут беради; 2 *страд. от* **дои́ть.**

ДОЙКА *ж по гл.* **дои́ть**; ~ **коро́в** сигирларни соғиш; **механи́ческая** ~ (сигирларни) механик усулда машиналар билан соғиш.

ДОЙНА *ж* дойна (молдаван халқ қўшиғи).

ДОЙН/ЫЙ, -ая, -ое соғиладиган, сут берадиган, соғин; ✦ ~**ая коро́ва** *прям.* и *перен.* соғин сигир.

ДОЙТИ́, дойду́, дойдёшь *сов.* (*несов.* **доходи́ть**) 1 *до кого-чего* юриб бирор жойга етмоқ, етиб бормоқ, бориб етмоқ; **вскóре мы дошли́ до музе́я** тезда биз музейга ет-

www.ziyouz.com kutubxonasi

дик (етиб бордик); **не дойдя́ до шко́лы** мактабга етмасдан; **2** *до кого-чего* (эгасига) етиб бормоқ, тегмоқ, келмоқ; **письмо́ дошло́ бы́стро** хат тез етиб борди (келди); **письмо́ не дошло́** хат етиб бормади (келмади, тегмади); **3** (қулоққа) етмоқ, эшитилмоқ, чалинмоқ; **дошло́ до нас, что...** бизга... деган гап (хабар) етиб келди (эшитилди), биз... деган гапни (хабарни) эшитдик; **дошли́ слу́хи, что он возврати́лся домо́й** у уйига қайтиб келганмиш деган овоза эшитилди; **4** *перен. до кого-чего разг.* онгига етмоқ, етиб бормоқ, англашилмоқ, тушунилмоқ; **смысл ска́занного дошёл до него́ сли́шком по́здно** айтилганларнинг маъноси унинг онгига жуда кеч етиб борди, айтилганларнинг маъносини жуда кеч тушунди; **дошло́?** англашилдими?, тушундинг(из)ми?; **5** *до чего* (бирор даража, савия ва ҳ. к. га) етмоқ, бормоқ, кўтарилмоқ; **вода́ дошла́ мне до коле́н** сув тиззамгача етди (кўтарилди); **6** *до чего разг.* тушуниб етмоқ, фаҳмламоқ, англамоқ, топмоқ; **он сам дошёл до всего́** у ҳаммасини ўзи (ўз ақли билан) топди; **7** *перен. до чего* бирор даражага, ҳолатга етмоқ, бориб тақалмоқ; **~ до истоще́ния** озиб-тўзиб кетмоқ, миррасига тақалмоқ; **де́ло дошло́ до дра́ки** иш муштлашишгача борди (бориб етди); **8** *разг.* пишмоқ, етилмоқ; ошмоқ, кўпчимоқ; **хлеба́ дошли́** буғдой етилди (етилиб пишди); **те́сто дошло́** хамир ошди; **9** бормоқ, етмоқ; **расхо́ды дошли́ до ста рубле́й** харажатлар юз сўмга етди.

ДОК *м* док (кемалар тузатиладиган корхона); **плаву́чий ~** сузувчи док; **сухо́й ~** қуруқ док (кема киритилгандан кейин суви чиқариб ташланадиган док).

ДО́КА *м прост.* билағон, уста, устаси фаранг; **он ~ в э́том де́ле** бу ишда у устаси фаранг; **в зако́нах он ~** қонун бобида у жуда билағон, қонунларни у жуда яхши билади.

ДОКАЗА́ТЕЛЬНОСТЬ *ж* асослилик, ишончлилик, далил бўла оладиганлик.

ДОКАЗА́ТЕЛЬНЫЙ, -ая, -ое; -лен, -льна асосли, ишончли, далил бўла оладиган; **~ приме́р** далил бўла оладиган мисол; **~ аргуме́нт** асосли (ишончли) далил.

ДОКАЗА́ТЕЛЬСТВЕННЫЙ, -ая, -ое *прил. от* **доказа́тельство 1** далил бўлиб хизмат қиладиган.

ДОКАЗА́ТЕЛЬСТВ/О *с* **1** далил, исбот; **веще́ственные ~а** ашёи далиллар; **неопровержи́мое ~о** рад (инкор) қилиб бўлмайдиган далил; **приводи́ть ~а** далиллар келтирмоқ; **в ~о** *чего-л.* -нинг исботи учун; **2** *спец.* исбот, исботлаш, исбот қилиш; **теоре́ма име́ет не́сколько ~** теореманинг бир неча исботи бор; **~о от проти́вного** аксидан (акси асосида) исботлаш.

ДОКАЗА́ТЬ, -ажу́, -а́жешь *сов.* (*несов.* **дока́зывать**) *что* **1** исботламоқ, исбот қилмоқ, кўрсатмоқ; ишонтирмоқ; **~ на де́ле** амалда исбот қилмоқ, амалда кўрсатмоқ; **~ свою́ правоту́** ўзининг ҳақ эканлигини исботламоқ; **2** исботламоқ, исбот қилмоқ; **~ теоре́му** теоремани исбот қилмоқ.

ДОКАЗУ́ЕМОСТЬ *ж* исботланиш, исботлана олиш; **~ теоре́мы** теореманинг исботлана олиши.

ДОКАЗУ́ЕМ/ЫЙ, -ая, -ое исботланиши мумкин бўлган, исбот қилиб бўладиган, исботлана оладиган, исботли; **~ая и́стина** исботланиши мумкин бўлган ҳақиқат, исботли ҳақиқат.

ДОКА́ЗЫВАТЬ *несов. см.* **доказа́ть.**

ДОКА́ЛЫВАТЬ *несов. см.* **доколо́ть.**

ДОКА́НЧИВАТЬ *несов. см.* **доко́нчить.**

ДОКАПИТАЛИСТИ́ЧЕСК/ИЙ, -ая, -ое капитализмдан илгариги, капитализмгача бўлган, токапиталистик; **~ое о́бщество** капитализмдан илгариги жамият.

ДОКА́ПЫВАТЬ *несов. см.* **докопа́ть.**

ДОКА́ПЫВАТЬСЯ *несов.* **1** *см.* **докопа́ться; 2** *страд. от* **дока́пывать.**

ДОКА́РМЛИВАТЬ *несов. см.* **докорми́ть.**

ДОКАТИ́ТЬ, -ачу́, -а́тишь *сов.* (*несов.* **дока́тывать**) **1** *кого-что* думалатиб (ғилдиратиб) олиб бормоқ, етказмоқ; -гача думалатиб (ғилдиратиб) бормоқ; **~ бревно́ до забо́ра** ходани думалатиб деворга тақаб қўймоқ; **2** *разг.* ҳайдаб бормоқ, етмоқ (мас., велосипедда).

ДОКАТИ́/ТЬСЯ, -ачу́сь, -а́тишься *сов.* (*несов.* **дока́тываться**) **1** думалаб (ғилдираб) бормоқ, етмоқ; **мяч ~лся до воро́т** тўп дарвозагача думалаб борди; **2** *перен.* етиб бормоқ (келмоқ), эшитилмоқ; **до нас ~лись зву́ки канона́ды** тўпларнинг гумбур-гумбур овози бизгача етиб келди; **3** *перен. разг.* бирор аҳволга бориб етмоқ, тушмоқ; **вот до чего́ он ~лся** қаранг, у қандай аҳволга бориб етибди; у шу аҳволга тушибди.

ДОКА́ТЫВАТЬ *несов. см.* **докати́ть.**

ДОКА́ТЫВАТЬСЯ *несов.* **1** *см.* **докати́ться; 2** *страд. от* **дока́тывать.**

ДОКА́ШИВАТЬ *несов. см.* **докоси́ть.**

ДО́КЕР *м* докер, порт ишчиси (юкчиси).

ДОКИДАТЬ *сов.* (*несов.* **доки́дывать**) *что разг.* отиб (ташлаб) тамом қилмоқ, ҳаммасини отиб ташлаб иргитиб бўлмоқ.

ДОКИ́ДЫВАТЬ *несов. см.* **докида́ть** и **доки́нуть.**

ДОКИ́НУТЬ *сов.* (*несов.* **доки́дывать**) *что разг.* отиб бирор жойга етказмоқ; **~ мяч до кры́ши** тўпни отиб томга етказмоқ.

ДОКЛА́Д *м* **1** доклад; маъруза (*эск.*); **нау́чный ~** илмий доклад; **отчётный ~** ҳисобот доклади; **де́лать ~** доклад қилмоқ; **2** бошлиққа берилган оғзаки ёки ёзма маълумот, хабар; билдириш, докладнома; **~ дире́ктору** директорга билдириш, доклад қилиш, директорга берилган маълумот, докладнома; **3** келувчилар ҳақида бошлиққа, хўжайинга айтиш, хабар; **без ~а не входи́ть** сўроқсиз кирилмасин.

ДОКЛАДН/ОЙ, -а́я, -о́е: ~а́я запи́ска ёзма доклад, докладнома.

ДОКЛА́ДЧИК *м* докладчи, доклад (маъруза) қилувчи; маърузачи (*эск.*).

ДОКЛА́ДЧИЦА *ж см.* **докла́дчик.**

ДОКЛА́ДЫВАТЬ I *несов. см.* **доложи́ть** I.

ДОКЛА́ДЫВАТЬ II *несов. см.* **доложи́ть** II.

ДОКЛА́ССОВ/ЫЙ, -ая, -ое синфий жамият юзага келмасдан олдинги, синфий жамиятгача бўлган, тосинфий; **~ое о́бщество** тосинфий жамият.

ДОКЛЕ́ИВАТЬ *несов. см.* **докле́ить.**

ДОКЛЕ́ИТЬ *сов.* (*несов.* **докле́ивать**) *что* елимлаб ёпиштириб бўлмоқ, батамом ёпиштирмоқ.

ДО́КОВЫ/Й, -ая, -ое докда бўладиган, докдаги, док...; **~й ремо́нт** докда қилинадиган ремонт; **~е рабо́чие** док ишчилари.

ДОКОВЫЛЯ́ТЬ *сов. разг.* аранг қадам ташлаб, судралиб бирор жойга етмоқ (етиб бормоқ, етиб олмоқ); **с трудо́м ~ до до́ма** судрала-судрала уйга етмоқ.

ДОКО́ЛЕ и **ДОКО́ЛЬ** *нареч. уст.* **1** *вопросит.* токай, токайгача, қачонгача; **~ я бу́ду терпе́ть?** қачонгача чидайман?; **~ э́то бу́дет продолжа́ться?** бу аҳвол қачонгача давом этади?; **2** *относит.* то ...-гача, ...-гунча; **жду, ~ со́лнце не взойдёт** кун чиққунча кутаман.

ДОКОЛА́ЧИВАТЬ *несов. см.* **доколоти́ть.**

ДОКОЛОТИ́ТЬ, -очу́, -о́тишь *сов.* (*несов.* **докола́чивать**) **1** *что* қоқиб қўймоқ, қоқиб бўлмоқ, ҳаммасини (батамом) қоқиб ташламоқ; **~ кол** қозиқни қоқиб қўймоқ; **2** *кого-что прост.* ураверибб, (савалайвериб) бирор ҳолатга етказмоқ, дабдала қилмоқ.

ДОКОЛО́ТЬ, -олю́, -о́лешь *сов.* (*несов.* **дока́лывать**) *разг.* **1** *что* майдалаб (ёки ёриб) бўлмоқ, ҳаммасини майдалаб (ёки ёриб) қўймоқ; **2** *кого-что* санчийвериб ўлдирмоқ, жонини олмоқ.

ДОКОНА́/ТЬ *сов. кого-что разг.* тамом (адо) қилмоқ, жонини олмоқ, ўлар ҳолатга етказмоқ, ҳолдан тойдирмоқ; **больно́го ~ла лихора́дка** безгак беморни ҳолдан тойдирди (адо қилди).

ДОКО́НЧИТЬ *сов.* (*несов.* **дока́нчивать**) *что* тамом қилмоқ, битириб қўймоқ, батамом битирмоқ, тугатмоқ, охирига етказмоқ; **~ рабо́ту** ишни охирига етказмоқ; **~ на́чатое** бошлаб қўйилган ишни битирмоқ.

ДОКОПА́ТЬ *сов.* (*несов.* **дока́пывать**) **1** *что* охиригача қазиб қўймоқ, ковлаб бўлмоқ, битирмоқ; **2** *что до чего* бирор жойгача ковлаб бормоқ, ковлаб етказиб қўймоқ; **~ я́му до середи́ны** ўрани ярмигача ковлаб бормоқ (қўймоқ).

ДОКОПА́ТЬСЯ *сов.* (*несов.* **дока́пываться**) *до чего* **1** бирор жойгача ковлаб бормоқ; ковлайвериб бирор нарса топмоқ; **~ до воды́** сувгача (сув чиққунча) ковламоқ; **~ до сло́я песка́** қум қатламигача ковлаб бормоқ; **2** *перен. разг.* ковлаштириб тагига етмоқ, суриштириб билмоқ,

www.ziyouz.com kutubxonasi

аниқламоқ; ~ **до сýти дéла** ковлаштириб ишнинг моҳиятига етмоқ; ~ **до йстинной причúны** суриштириб ҳақиқий сабабини аниқламоқ.

ДОКОРМИ́ТЬ, -ормлю́, -о́рмишь *сов.* (*несов.* **дока́рмливать**) *кого-что* 1 едириб (овқатлантириб) бўлмоқ; ~ **ребёнка** болани овқатлантириб (эмизиб) бўлмоқ; 2 *разг.* овқат бераверіб (тиқиштириб) бирор ҳолатга етказмоқ.

ДОКОСИ́ТЬ, -ошу́, -о́сишь *сов.* (*несов.* **дока́шивать**) *что* 1 ўриб бўлмоқ, батамом (охиригача) ўриб қўймоқ; 2 бирор ергача ўриб бормоқ, ўриб қўймоқ.

ДОКРАСИ́ТЬ, -а́шу, -а́сишь *сов.* (*несов.* **докра́шивать**) 1 бўяб бўлмоқ, батамом (охиригача) бўяб қўймоқ; 2 бирор еригача бўяб бормоқ, бўяб қўймоқ.

ДОКРАСНА и **ДОКРАСНА** *нареч.* қип-қизил бўлгунча, қизаргунча; **растере́ть ко́жу** ~ терини (баданни) қизаргунча ишқаламоқ; баданни ишқалайвериб қизартириб юбормоқ; **раскали́ть мета́лл** ~ металлни чўғдай қиздирмоқ; **раскалённый** ~ чўғдай қиздирилган, қизарган.

ДОКРАШИВАТЬ *несов. см.* **докра́сить.**

ДОКРИЧ/А́ТЬСЯ *сов.* 1 *кого разг.* қаттиқ (бор овози билан) чақириб эшиттирмоқ (жавоб олмоқ); **наконе́ц мы его́ ~а́лись** бақириб чақираверіб ахир овозини эшитдик (жавоб олдик); **никого́ не ~и́шься** қанча чақирган билан ҳеч ким жавоб (овоз) бермайди; 2 *до чего* бақираверіб чарчамоқ (ёки бирор шикаст топмоқ); **~а́лся до хрипоты́** бақираверіб овоз бўғилди.

ДОКТОР *м, мн.* **-а́** 1 *разг.* доктор, врач; 2 доктор (олий илмий даража); ~ **медици́нских нау́к** медицина фанлари доктори.

ДОКТОРА́ЛЬНЫЙ, -ая, -ое; -лен, -льна *книжн.* донишмандона насиҳат тусидаги, насиҳатомуз, қатъий эътирозга (гап қайтаришга) йўл қўймайдиган; ~ **тон** насиҳатомуз қатъий гап, қатъий оҳанг.

ДОКТОРА́НТ *м* докторант (докторлик илмий даражасини олишга тайёрланаётган олим).

ДОКТОРА́НТСКИЙ, -ая, -ое докторантга оид; докторант...

ДОКТОРАНТУРА *ж* докторантура (1 фан докторлари тайёрлаш системаси; 2 *собир.* докторантлар).

ДОКТО́РСК/ИЙ, -ая, -ое 1 докторлик даражасига оид; докторлик...; ~**ая диссерта́ция** докторлик диссертацияси; 2 *разг. то же, что* **врачёбный.**

ДОКТРИ́НА *ж* доктрина, таълимот, назария; **вое́нная** ~ ҳарбий доктрина.

ДОКТРИНЁР *м книжн.* доктринёр, ақидапараст, қироатхон.

ДОКТРИНЁРСКИЙ, -ая, -ое *книжн.* доктринёрларга, ақидапарастларга хос бўлган, ақидапарастларча; ~ **тон** доктринёрларга хос гап, оҳанг.

ДОКТРИНЁРСТВО *с книжн.* доктринёрлик, ақидапарастлик, қироатхонлик.

ДОКУ́ДА *нареч. разг.* қаергача; ~ **пое́дем?** қаергача борамиз?

ДОКУ́КА *ж уст.* жонга тегадиган (зериктирадиган) иш, ган, илтимос ва ш. к.

ДОКУМЕ́НТ *м* 1 расмий қоғоз, ҳужжат; **расхо́дные ~ы** сарф-харажат ҳужжатлари; **оправда́тельный** ~ оқлаш (кўрсатиш, тасдиқлаш) учун далил бўла оладиган ҳужжат; 2 гувоҳнома, шаҳодатнома, ҳужжат; **прове́рка ~ов** ҳужжатларни текшириш; **предъяви́ть свой** ~ ҳужжатини (гувоҳномасини) кўрсатмоқ; 3 ёзма далил, ҳужжат, документ; **истори́ческие ~ы** тарихий ҳужжатлар.

ДОКУМЕНТА́ЛЬНО *нареч.* ҳужжат(лар) билан, ҳужжат(лар) асосида, ҳужжат(лар) келтириб; ~ **доказа́ть** *что-л.* ҳужжат билан (ҳужжат келтириб) исботламоқ.

ДОКУМЕНТА́ЛЬНОСТЬ *ж* ҳужжатларга асосланганлик.

ДОКУМЕНТА́ЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое; -лен, -льна 1 ҳужжатларга, фактларга асосланган, ҳужжатли; ~**ые да́нные** ҳужжатларга асосланган маълумотлар; ~**ый фильм** ҳужжатли фильм; 2 ҳужжатларга хос бўлган, ҳужжатлардагидек; ~**ая то́чность** ҳужжатлардагидек аниқлик.

ДОКУМЕНТА́ЦИЯ *ж* документация (1 ҳужжатлаштириш, зарур ҳужжатлар билан асослаш; **нау́чная ~** илмий документация; 2 *собир.* ҳужжатлар; **техни́ческая ~** техникавий документация, техникавий ҳужжатлар).

ДОКУМЕНТИ́РОВАТЬ *сов.* и *несов. что* ҳужжатлаштирмоқ, ҳужжатлар, фактлар билан асосламоқ.

ДОКУ́ПАТЬ I *несов. см.* **докупи́ть.**

ДОКУПА́ТЬ II *сов. кого-что* чўмилтириб бўлмоқ.

ДОКУПА́ТЬСЯ I *несов. страд. от* **докупи́ть.**

ДОКУПА/ТЬСЯ II *сов* 1 чўмилиб бўлмоқ; 2 чўмилаверіб касал бўлмоқ, шикаст орттирмоқ; ~**лся до просту́ды** чўмилаверіб тумов бўлиб қолди(м).

ДОКУПИ́ТЬ *сов.* (*несов.* **докупа́ть** I) *что* камини, етмаганини сотиб олмоқ, яна сотиб олиб тўлдирмоқ, бут қилмоқ; ~ **метр ше́лка на пла́тье** кўйлакка яна бир метр шойи олмоқ; ~ **овоще́й к обе́ду** овқатга яна сабзавот олмоқ.

ДОКУ́РИВАТЬ *несов. см.* **докури́ть.**

ДОКУРИ́ТЬ *сов.* (*несов.* **доку́ривать**) *что* батамом (қолганини ҳам) чекиб бўлмоқ, чекиб тамом қилмоқ; ~ **папиро́су** папиросни чекиб бўлмоқ.

ДОКУ́ЧАТЬ *несов. кому-чему разг.* жонига тегмоқ, зериктирмоқ, безор қилмоқ.

ДОКУ́ЧЛИВ/ЫЙ, -ая, -ое *разг.* жонга тегадиган, зериктирадиган, зерикарли; хира, шилқим; ~**ые мы́сли** зериктирадиган (жондан безор қиладиган) хаёллар; ~**ый челове́к** шилқим одам; ~**ая му́ха** хира пашша.

ДОКУ́ЧНЫЙ, -ая, -ое; -чен, -чна *разг.* жонга тегадиган, зериктирадиган, безор қиладиган; ~ **шум** жонга тегадиган шовқин.

ДОЛ *м уст. поэт.* водий, сойлик; **по гора́м, по до́лам** тоғларда ва водийларда, ҳар ерда, ҳамма ёқда; **за гора́ми, за до́лами** тоғлар ва водийлар ортида; узоқ-узоқларда, йироқда, олисда.

ДОЛА́МЫВАТЬ *несов. см.* **доломи́ть.**

ДОЛБА́НУТЬ *сов. кого-что прост.* қаттиқ урмоқ, зарб билан солиб қолмоқ, туширмоқ.

ДОЛБЁЖКА *ж* 1 *разг. то же, что* **долбле́ние;** 2 *прост.* тушунмасдан ёдлаш, такрорлаш, ёдлаб олиш.

ДОЛБЁЖНЫЙ, -ая, -ое зарб билан ўйиб (ёки кесиб) ишлайдиган; ~ **стано́к** зарб билан ўйиб (ёки кесиб) ишлайдиган станок.

ДОЛБИ́/ТЬ, -блю́, -би́шь *несов.* 1 *что* зарб билан уриб ўймоқ, тешмоқ; ~**ть сте́ну** деворни тешмоқ; ~**ть лёд** музни тешмоқ; **дя́тел ~т де́рево** қизилиштон дарахтни (чўқилаб) тешади (тешмоқда); 2 зарб билан ўйиб ёки (кесиб) ишламоқ, ясамоқ; ~**ть чёлн (ло́дку)** ёғочни ўйиб қайиқ ясамоқ; 3 *прост.* ҳадеб айтавермоқ, гапиравермоқ, қайта-қайта айтмоқ, уқтирмоқ, миясига қуймоқ; **ско́лько ему́ ни ~ — не понима́ет** қанча айтганинг билан, бари **бир** тушунмайди; 4 *прост.* тушунмасдан ёдламоқ, ёдлаб **олмоқ; ~ть уро́к** дарсни ёд олмоқ.

ДОЛБЛЕ́НИЕ *с* зарб билан кесиб, ўйиб ишлаш.

ДОЛБЛЁНЫЙ, -ая, -ое зарб билан ўйиб (ёки кесиб) ишланган, ўйма; ~ **челно́к** ўйма қайиқ.

ДОЛГ I *м* бурч, вазифа; **защи́та Оте́чества — свяще́нный ~ ка́ждого граждани́на СССР** Ватанни ҳимоя қилиш ҳар бир СССР гражданининг муқаддас бурчидир; **во́инский ~** ҳарбий бурч; **граждани́нский ~** гражданлик бурчи; **счита́ть свои́м ~ом** ўз бурчи (вазифаси) деб билмоқ, ҳисобламоқ; ✦ ~ **че́сти** виждоний бурч, ор-номус иши; **по ~у** *чего* бурч юзасидан, тақозоси билан; **по ~у слу́жбы** хизмат вазифаси юзасидан; **челове́к ~а** виждонан иш қиладиган (ўз бурчини, вазифасини виждонан бажарадиган) одам, виждонли (инсофли) одам; **отда́ть после́дний** ~ *кому* видолашмоқ, абадий(га) хайрлашмоқ.

ДОЛГ II *м, мн.* **-и́** қарз; насия; **взять в** ~ қарз олмоқ; қарзга (ёки насияга) олмоқ; **де́лать ~и́** қарздор бўлмоқ, қарзга кирмоқ; **наде́лать ~о́в** қарз орттирмоқ; ✦ **войти́** (или **влезть**) **в ~и́** қарзга кирмоқ (ботмоқ); **жить в** ~ қарздор бўлиб яшамоқ; **по́ уши** (или **по го́рло**) **в ~а́х** қулоғигача қарзга ботиб ётибди; **не выхо́дит** (или **не вылеза́ет**) **из ~о́в** боши қарздан чиқмайди; **быть в ~ý** *перед кем* или *у кого* қарздор бўлмоқ, миннатдор бўлиб қолмоқ; **не оста́ться в ~ý** *у кого* қарзни (ёки қаримтани) қайтармоқ.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ДОЛГ/ИЙ, **-ая**, **-ое**; **до́лог**, **долга́**, **до́лго**; **до́льше** и **до́лее** 1 узун, узоқ, олис, давомли; **~ий путь** узоқ (олис) йўл; **~ая жизнь** узоқ умр; **~ий срок** узоқ муддат; **~ая зима́** узоқ қиш; **~ие го́ды** узоқ йиллар; **на ~ие го́ды** бир неча йилга; **~ое вре́мя** узоқ (анча) вақт; 2 *лингв.* чўзиқ; **~ий гла́сный звук** чўзиқ унли товуш; 3 *уст.* узун, дароз; **во́лос до́лог, да ум ко́роток** *погов.* сочи узун-у, ақли қисқа; ✦ **е́хать на ~их** отларни алмаштирмасдан узоқ йўл юрмоқ; **в ~ий я́щик откладывать** чўзмоқ, орқага силтамоқ, судрамоқ; ташлаб қўймоқ; **~ая пе́сня** *разг.* узоққа чўзиладиган (тез бўлмайдиган, битмайдиган) иш.

ДО́ЛГО *нареч.* узоқ, жуда кўп (анча) вақт, анча вақтгача; **е́хали мы ~** биз узоқ (кўп) юрдик; **я ~ не мог засну́ть** мен анча вақтгача ухлай олмадим; **~ жить** узоқ яшамоқ, узоқ умр кўрмоқ; **~-~** жуда узоқ, жуда кўп, узундан-узоқ; ✦ **как ~** қанча вақт, қачонгача; **он не знал, как ~ продолжа́лось его забытьё** (Л. Толстой) У қанча вақт беҳуш ётганлигини билмади (билмасди) ҳам; **~ ли, ко́ротко ли** *нар.-поэт.* озми-кўпми вақт ўтгач, аллақанча вақтдан кейин; қанчадир; **~ ли** *до чего разг.* қийин эмас, ҳеч гап эмас, жуда осон; **~ ли до беды́** бир балога йўлиқиш ҳеч гап эмас (жуда осон); **~ ли заболе́ть** касал бўлиб қолиш жуда осон.

ДОЛГОВЕ́ЧНОСТЬ *ж* 1 узоқ яшаш, узоқ умр кўриш, умри узоқлик; 2 узоқ(ка), кўпга чидаш, чидамлилик, пишиқ-пухталик, мустаҳкамлик.

ДОЛГОВЕ́ЧН/ЫЙ, **-ая**, **-ое**; **-чен**, **-чна** 1 узоқ яшайдиган, узоқ умр кўрадиган, умри узоқ; **~ая жизнь** узоқ умр; **впечатле́ния де́тства чрезвыча́йно ~ы** болаликдаги таассуротлар жуда узоқ яшайди (унутилмайди); 2 узоққа (кўпга) чидайдиган, чидамли, пишиқ-пухта, мустаҳкам; **~ое сооруже́ние** чидамли (пухта) иншоот.

ДОЛГОВ/ОЙ, **-а́я**, **-о́е** қарзга оид; қарз олиш-бериш билан боғлиқ бўлган; қарз...; **~ые су́ммы** қарз миқдори; **~ые обяза́тельства** қарз олиш-бериш билан боғлиқ бўлган мажбуриятлар; ✦ **~а́я тюрьма́** *уст.* қарздорлар турмаси.

ДОЛГОВРЕ́МЕНН/ЫЙ, **-ая**, **-ое** 1 узоқ вақт давом этган (этадиган); узоқ(қа) чўзилган, давомли, узоқ; **~ое отсу́тствие** узоқ вақт йўқ бўлиш; **~ая разлу́ка** узоқ ҳижрон; 2 узоқ вақтга мўлжалланган, мустаҳкам; **~ое укрепле́ние** узоқ вақтга мўлжалланган истеҳком.

ДОЛГОВЯ́ЗЫЙ, **-ая**, **-ое** *разг.* бўйи узун, новча, найнов, дароз; **~ па́рень** найнов бола.

ДОЛГОГРИ́ВЫЙ, **-ая**, **-ое** 1 ёли узун, узун ёлли; **~ конь** ёли узун от; 2 *в знач. сущ.* **~ м** *уст. пренебр.* узунсоқол, узунсоч (черков аҳли ҳақида).

ДОЛГОЖДА́ННЫЙ, **-ая**, **-ое** узоқ кутилган, интизор (муштоқ) бўлиб кутилган, зориқиб кутиб етишилган (эришилган, кўрилган); **~ая весть** узоқ кутилган хабар; **~ое дитя́** зориқиб кўрилган бола, тилаб олинган бола.

ДОЛГОЖИ́ТЕЛЬ *м* узоқ яшаган (узоқ умр кўрган) киши.

ДОЛГОЖИ́ТЕЛЬНИЦА *ж* узоқ яшаган (узоқ умр кўрган) аёл.

ДОЛГОИГРАЮЩ/ИЙ, **-ая**, **-ее** узоқ чаладиган; **~ая пласти́нка** узоқ чаладиган пластинка.

ДОЛГОЛЕ́ТИ/Е *с* узоқ умр, узоқ умр кўриш, кўп яшаш; **пробле́ма ~я** умрни узайтириш проблемаси.

ДОЛГОЛЕ́ТН/ИЙ, **-яя**, **-ее** кўп йиллик, узоқ йиллар давом этган (этадиган); **~яя дру́жба** узоқ йиллар давом этиб келаётган (давом этадиган) дўстлик; **~ее сотру́дничество** кўп йиллик ҳамкорлик.

ДОЛГОНО́ЖКИ *мн., р.* **-жек** (*ед.* **долгоно́жка** *ж*) *зоол.* узуноёқлар, икки қанотли ҳашарот (карам зараркунандаси).

ДОЛГОНО́СИКИ *мн.* (*ед.* **долгоно́сик** *м*) *зоол.* узунтумшуқ (зараркунанда қўнғиз).

ДОЛГОНО́СЫЙ, **-ая**, **-ое** *то же, что* **длиннonóсый**.

ДОЛГОПО́ЛЫЙ, **-ая**, **-ое** этаги (барлари) узун, узун этакли; **~ халя́т** этаги (барлари) узун чопон, узун халат.

ДОЛГОСРО́ЧНЫЙ, **-ая**, **-ее** узоқ муддатли, узоқ муддатга мўлжалланган; **~ креди́т** узоқ муддатли кредит; **~ о́тпуск** узоқ муддатли отпуска.

ДОЛГОТА́ *ж*, *мн.* **-о́ты** 1 узунлик, узоқлик; давом этиш муддати; **~ дня** кунниng узунлиги; 2 узунлик (географик координата).

ДОЛГОТЕРПЕЛИ́ВЫЙ, **-ая**, **-ое** узоқ чидай оладиган, чидамли, бардошли, тўзимли.

ДОЛГОТЕРПЕ́НИЕ *с* узоқ чидаш, бардош бериш; чидам, тўзим, бардош.

ДОЛГОУ́ХИЙ, **-ая**, **-ое** қулоғи узун, узун қулоқли, узунқулоқ.

ДОЛГОХВОСТ/ЫЙ, **-ая**, **-ое** думи узун, узун думли; **~ая обезья́на** думи узун маймун; **~ая коме́та** узун думли комета.

ДОЛГОШЕ́ЙИЙ, **-яя**, **-ее** бўйни узун, узун бўйинли.

ДОЛГУНЕ́Ц *м*, *р.* **-нца́** узун толали зиғир.

ДОЛГУ́ША *ж уст.* узун арава.

ДОЛДО́НИТЬ *несов. что прост.* бир гапни ҳадеб такрорлайвермоқ, кўп гапирмоқ, вайсамоқ.

ДОЛЕВ/О́Й I, **-а́я**, **-о́е** 1 ҳиссали; ҳиссасини (улушини) ташкил этган; ҳисса...; улуш...; пай...; **~о́е уча́стие** *в чем-л.* ўз ҳиссаси билан қатнашиш; **на ~ы́х нача́лах** ҳисса (пай) асосида(ги).

ДОЛЕВО́Й II, **-а́я**, **-о́е** бўйламасига, бўйига, бўйлама; **~ разре́з** бўйлама кесим.

ДОЛЕЕ 1 *см.* **до́лгий**; 2 *нареч.* узоқроқ, кўпроқ, ортиқ; **так ~ не мо́жет продолжа́ться** бундан буён бу аҳволда давом эта олмайди; **нельзя́ ~ терпе́ть** ортиқ чидаб бўлмайди.

ДОЛЕТА́ТЬ *несов. см.* **долете́ть**.

ДОЛЕТ/ЕТЬ, **-лечу́**, **-лети́шь** *сов.* (*несов.* **долета́ть**) 1 *до кого-чего* учиб бормоқ, учиб бориб бирор ерга етмоқ, тушмоқ; **туда́ никака́я пти́ца не ~и́т** у ерга ҳеч қандай қуш (учиб, етиб) боролмайди; **диск ~е́л до пятидесятиметро́вой отме́тки** диск эллик метрли белгига бориб тушди; 2 қулоққа етмоқ, эшитилмоқ; **с у́лицы ~е́ли кри́ки** кўчадан қийқириқ (шовқин-сурон, дод-фарёд) эшитилди.

ДОЛЕ́ЧИВАТЬ *несов. см.* **долечи́ть**.

ДОЛЕ́ЧИВАТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **долечи́ться**; 2 *страд. от* **доле́чивать**.

ДОЛЕЧИ/ТЬ *сов.* (*несов.* **доле́чивать**) 1 *кого* соғайгунча даволамоқ (ёки даволатмоқ); даволаб (ёки даволаниб) тузатмоқ; **~ть больно́го** касални соғайгунча даволамоқ (даволаб тузатмоқ); **я ещё не ~л ра́ну** ярамни ҳали тоза даволатиб бўлганим йўқ; 2 *до чего разг.* нотўғри даволаб касални зўрайтирмоқ, улғайтирмоқ, баттар қилмоқ.

ДОЛЕЧИ/ТЬСЯ *сов.* (*несов.* **доле́чивать**) 1 соғайгунча даволанмоқ, даволаниб батамом соғайиб кетмоқ; **он вы́шел из больни́цы, не ~вшись** у касалхонадан тузалмасдан чиқиб кетди; 2 *разг.* нотўғри даволаниб касални зўрайтирмоқ.

ДОЛЖА́ТЬ *несов. разг.* қарз олмоқ, қарздор бўлмоқ; **~ у знако́мых** танишлардан қарз олмоқ.

ДО́ЛЖЕН, **-жна́**, **-жно́** *в знач. сказ.* 1 *кому* қарз, қарздор; **он мне ~ де́сять рубле́й** у мендан ўн сўм қарз; 2 керак, зарур, лозим, даркор; **я ~ верну́ться** мен қайтишим керак; **вы не должны́ бы́ли говори́ть э́того** сиз буни (бу гапни) айтмаслигингиз керак эди; **мы должны́ преодоле́ть тру́дности** биз қийинчиликларни енгишимиз керак; 3 шарт, керак, бўлиши муқаррар; **э́того не должно́ быть** бундай бўлмаслиги керак; **э́то должно́ бы́ло случи́ться** албатта шундай бўлиши керак эди, шундай бўлиши турган гап эди; ✦ **должно́ быть** *в знач. вводн. сл.* -са керак, балки, эҳтимол, ажаб эмас; **он, должно́ быть, до́ма** у уйда бўлса керак, у балки уйдадир.

ДОЛЖЕ́НСТВОВАНИЕ *с книжн.* бўлиши кераклик, муқаррарлик.

ДОЛЖЕ́НСТВОВАТЬ *несов. уст.* бурчли бўлмоқ; бирор ишни бажариши, қилиши керак бўлмоқ.

ДОЛЖНИ́К *м*, *р.* **-а́** 1 қарздор; 2 *перен.* миннатдор; **я ваш ~** мен сиздан миннатдорман.

ДОЛЖНИ́ЦА *ж* қарздор аёл.

ДОЛЖНО *безл. в знач. сказ. уст.* керак, лозим, даркор; тегиш; **так не ~ поступа́ть** бундай қилмаслик керак, бундай қилиш ярамайди; **рабо́тать, как ~** талаб қилингандай ишламоқ керак; **говори́ть то, что ~** керакли гапни гапириш керак (лозим).

www.ziyouz.com kutubxonasi

ДОЛЖНОСТНО́Й, -а́я, -бе́ лавозим (мансаб, амал, хизмат) билан боғланган; лавозимли, мансабдор; **~е лицо́** амалдор, мансабдор; **~е преступле́ние** *юр.* хизмат вазифаси билан боғлиқ бўлган жиноят (мансабдан фойдаланиш), мансабни суиистеъмол қилиш.

ДОЛЖНОСТЬ *ж* лавозим, мансаб, амал, вазифа, ўрин; **~ дире́ктора** директор(лик) лавозими, вазифаси; **администрати́вная ~** маъмурий лавозим; **исполня́ть ~ проре́ктора** проректор вазифасини бажармоқ.

ДОЛЖ/НЫЙ, -ая, -ое 1 керак бўлган, талаб этилган (этиладиган), зарур, тегишли(ча); **на ~ом у́ровне** тегишли савияда(ги), талаб даражасида(ги); **с ~ым внима́нием** тегишлича эътибор бериб; **~ым о́бразом** тегишлича; 2 *в знач. сущ.* **~ое** *с* мос (муносиб) бўлгани, кераги, лозими; **отда́ть ~ое** *кому-чему-л.* тегишлича баҳо бермоқ, муносиб равишда баҳоламоқ, тақдирламоқ.

ДОЛЖО́К *м, р.* **-жка́** *уменьш. от* **долг** бир оз қарз, озгина (кичик) қарз; **у меня́ небольшо́й ~** бир оз қарзим бор.

ДОЛИВА́ТЬ *несов. см* **доли́ть.**

ДОЛИ́НА *ж* водий, ува; **Ферга́нская ~** Фарғона водийси; **речна́я ~** сойлик, сой.

ДОЛИ́ННЫ/Й, -ая, -ое водийдан иборат бўлган, водийдаги; водий...; **~е зе́мли** водийдан иборат ерлар, водийлар.

ДОЛИ́ТЬ, -лью́, -льёшь *сов.* (*несов.* **долива́ть**) *что* и *чего* яна қуймоқ, қуйиб тўлдирмоқ (ёки бир меъёрга етказмоқ); **~ ча́ю в стака́н** стаканга яна чой қуйиб тўлдирмоқ; **~ ча́йник** яна қуйиб чойнакни тўлдирмоқ.

ДОЛИХОЦЕФА́Л *м антроп.* сўпоқ бош (чўзиқ бош) одам, сўпоқ.

ДОЛИХОЦЕФА́ЛИЯ *ж антроп.* долихоцефалия, боши чўзиқлик, сўпоқлик.

ДО́ЛЛАР *м* доллар; **кана́дский ~** Канада доллари.

ДО́ЛЛАРОВЫЙ, -ая, -ое долларли; доллар...

ДОЛОЖИ́ТЬ I *сов.* (*несов.* **докла́дывать** I) 1 *что* доклад (маъруза) қилмоқ; **~ результа́ты наблюде́ний** кузатишларнинг натижалари ҳақида доклад қилмоқ; 2 *о ком-чём* хабар (маълумот) бермоқ, билдирмоқ; **~ дире́ктору о посети́теле** директорга келган киши ҳақида айтмоқ.

ДОЛОЖИ́ТЬ II *сов.* (*несов.* **докла́дывать** II) *что* и *чего* яна солмоқ, қўймоқ, қўшмоқ; **~ ка́ши в таре́лку** тарелкага яна каша солмоқ, кашадан яна қўшмоқ.

ДОЛОЖИ́ТЬСЯ *сов. кому разг.* келгани ҳақида (бошлиққа) доклад қилмоқ, айтмоқ.

ДОЛО́Й *нареч. разг.* битсин, йўқолсин; йўқол; **~ войну́!** битсин уруш!; **✦ с глаз (мои́х) ~!** йўқол кўзимдан!; **ша́пки ~** шапкалар (бош кийимлар) олинсин!

ДОЛОМА́Н *м* доломан (гусарлар кийими).

ДОЛОМА́ТЬ *сов.* (*несов.* **дола́мывать**) синдириб ташламоқ, ҳаммасини (қолган-кутганини ҳам) синдирмоқ.

ДОЛОМИ́Т *м* доломит (минерал).

ДОЛОМИ́ТНЫЙ, -ая, -ое *то же, что* **доломи́товый.**

ДОЛОМИ́ТОВЫЙ, -ая, -ое доломитли, доломит...

ДОЛОТО́ *с, мн.* **-о́та** искана; **буро́вое ~** бургилаш исканаси; **слеса́рное ~** слесарлар исканаси.

ДОЛУ *нареч. уст.* пастга, қуйига, қуйи; **опусти́ть глаза́** (или **о́чи**) кўзни (кўзларни) пастга қаратмоқ.

ДО́ЛЬКА *ж, р. мн.* **-лек** кичиккина улуш, озгина бўлакча; паллача; **~ лимо́на** лимон паллачаси; **~ чеснока́** чеснок паллачаси.

ДОЛЬМЕ́НЫ *мн.* (*ед.* **дольме́н** *м*) *археол.* тош мақбаралар.

ДО́ЛЬНИЙ, -яя, -ее и **ДО́ЛЬНЫЙ, -ая, -ое** *уст. поэт.* 1 *то же, что* **доли́нный**; 2 дунёвий, инсоний.

ДОЛЬЧА́ТЫЙ, -ая, -ое паллачалардан тузилган, паллачалардан иборат, паллали; **~ плод** паллали (палла-палла) мева (мас., лимон).

ДО́ЛЬШЕ *см.* **долгий**; **я ~вас живу́** здесь бу ерда мен сиздан кўпроқ яшаганман (турганман).

ДО́ЛЬЩИК *м уст.* пайчи, ҳиссадор, шерик.

ДО́ЛЮШКА *ж ласк. от* **до́ля** 2 *нар.-поэт.* қисмат, тақдир.

ДОЛ/Я *ж* 1 қисм, бўлак; ҳисса, улуш; **разде́лить на ра́вные ~и** тенг бўлмоқ, тенг бўлакларга (қисмларга) ажратмоқ; **небольша́я ~я** кичик бўлак, оз қисм, озгина улуш, ҳисса; **~я участия** *в чём-л.* бирор ишга қўшилган ҳисса; **на мою́ ~ю пришло́сь сто рубле́й** менинг улушимга юз сўм тушди (тўғри келди); менга юз сўм тушди (ёки тегди); **в э́том де́ле есть и ~я моего́ труда́** бу ишда менинг ҳам ҳиссам (меҳнатим) бор; **в э́том нет и ~и и́стины** бунда заррача ҳам ҳақиқат йўқ; **войти́ в ~ю** *с кем-л.* шерик бўлмоқ, пай қўшмоқ, пай тўплаб қўшилмоқ; 2 ёзмиш, пешана, қисмат, тақдир, насиба; кўргилик; **счастли́вая ~я** бахтли қисмат, бахтиёрлик; **го́рькая ~я** оғир қисмат, қаттиқ кўргилик; **✦ льви́ная ~я** туядек улуш, энг катта (энг кўп) улуш, қисм; **на мою́ (твою́, его́ и т. п.) ~ю вы́пало** (или **доста́лось** и т. п.) менга (сенга, унга) муяссар бўлди, менинг бахтимга (сенинг бахтингга, унинг бахтига)... тўғри келди.

ДОМ *м, мн.* **-а́** 1 уй, бино, иморат; **жило́й ~** турар жой бинои; **многоквартирный ~** кўп квартирали бино; **ка́менный ~** тош (ғишт) иморат; 2 уй, уй-жой, турар жой, ҳовли; **из ~а в ~** уйма-уй, ҳовлима-ҳовли; **разойти́сь по ~а́м** уй-уйига тарқалмоқ; **вы́йти из ~у** уйдан чиқмоқ; 3 уй ичи, хонадон, оила; рўзғор; **хозя́ин ~а** уй хўжаси, оила (рўзғор) бошлиғи; **они́ знако́мы ~а́ми** улар уй ичлари билан таниш; **хлопота́ть по ~у** уй-рўзғор ташвиши билан овора бўлмоқ, уй-рўзғор ташвишини қилмоқ (емоқ); **вести́ ~** рўзғорни бошқармоқ (ёки тебратмоқ); 4 уй, бино (муассаса биноси, уйи); **Дом прави́тельства** Ҳукумат уйи (биноси); **Дом учёных** Олимлар уйи; **~ культу́ры** маданият уйи; **~ о́тдыха** дам олиш уйи; **де́тский ~** болалар уйи; **етимхона** (*эск.*); **~моде́лей** модалар уйи; 5 *уст.* уй, хона; **торго́вый ~** савдо уйи, савдохона; **сумасше́дший ~** жиннихона; 6 сулола, хонадон; **~ Рома́новых** Романовлар сулоласи (хонадони); **✦ на́ ~уйга**; **брать рабо́ту на́ ~** уйга иш олмоқ; **доставля́ть проду́кты на́ ~** озиқ-овқатларни уйга етказиб бермоқ; **на ~у́** уйда; **рабо́тать на ~у́** уйда ишламоқ; **отказа́ть от ~а** *кому* кимсани уйига келтирмай қўймоқ (унга уйнинг эшигини бекитмоқ).

ДОМА́ *нареч.* уйда, ўз уйида, ҳовлисида; **сиде́ть ~** уйда ўтирмоқ; **его́ нет ~** у уйда йўқ; **✦ как ~** (**быть, чувствовать себя** и т. п.) ўз уйингиздагидек бемалол; **бу́дьте как ~** ўз уйингиздагидек бемалол (яйраб-яшнаб) ўтиринг; **не все ~а** *у кого разг.* бир қайнови ичида, ақли пастроқ, бир оз етишмайди, кирали-чиқали.

ДОМА́ЛЫВАТЬ *несов. см* **домоло́ть.**

ДОМАРКСИ́СТСКИЙ, -ая, -ое марксизм (марксистик философия) юзага келмасдан илгариги, томарксистик.

ДОМА́ШН/ИЙ, -яя, -ее 1 уйда (хонадонда) бўладиган, уй-рўзғор билан боғланган; уйдаги; хонаки; уй..., уй-рўзғор...; **~ие ве́щи** уй-рўзғор буюмлари; **~яя хозя́йка** уй ишлари билан шуғулланувчи аёл, уй бекаси (хўжаси); **~яя рабо́тница** уй хизматчиси; **~ие ту́фли** уйда кийиладиган туфли, хонаки туфли; **~ий телефо́н** уй телефони; **~ий а́дрес** уй адреси, турар жойи; **в ~ей обстано́вке** уй (хонадон) шароитида; **по ~им обстоя́тельствам** оилавий сабабларга кўра; 2 уйда тайёрланган, уйда (қўлда) қилинган, хонаки, қўлбола; уй...; **~ий хлеб** уй нони, уйда ёпилган (тайёрланган) нон; **~ие обе́ды** уйда тайёрланган овқатлар; қўлбола (хонаки) овқатлар; 3 уйда бажариладиган, қилинадиган; уй...; **~яя рабо́та** уй иши; 4 кунда-шунда; яқин, ўзиники бўлиб қолган; 5 *в знач. сущ.* **~ие** *мн.* уй ичи, оила аъзолари, бола-чақа, оила; **на́ши ~ие** уй ичларимиз, оиламиз аъзолари, бизникилар; 6 уйга (қўлга) ўрганган, ўргатилган, ром қилинган, хонаки; уй...; **~ие живо́тные** уй ҳайвонлари; **~яя пти́ца** уйга (қўлга) ўрганган (ўргатилган) қуш, уй қуши, паррандаси; **✦ ~ий аре́ст** уй қамоғи; **быть под ~им аре́стом** уй қамоғида (ўз уйида қамоқда) бўлмоқ.

ДОМАШНОСТ/Ь *ж прост.* уй-рўзғор; рўзғор ишлари; рўзғорчилик; **рабо́тать по ~и** уй-рўзғор ишлари билан банд бўлмоқ; **привыка́ть к ~и** уй-рўзғор ишларига ўрганмоқ.

ДОМБРА́ *ж* дўмбира.

ДОМЕ́Н *м* 1 домен (феодалга қарашли ер-сув, мулк); 2 давлат мулки (капиталистик мамлакатларда).

ДОМЕ́ННЫЙ, -ая, -ое домна печига оид; домна...; **~ая пла́вка** домнада чўян эритиш; **~ый цех** домна цехи.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ДОМЕНЩИК *м* домначи, домна печида ишловчи ишчи.

ДОМЕСИ́ТЬ, **-ешу́**, **-е́сишь** *сов.* (*несов.* **домеша́ть** I) *что* қориб бўлмоқ, тобига (меъёрига) етказиб қормоқ.

ДОМЕСТИ́, **-ету́**, **-ете́шь** *сов.* (*несов.* **дометá ть**) *что* 1 супуриб бўлмоқ, супуриб қўймоқ; 2 бирор ергача супуриб бормоқ (супуриб қўймоқ).

ДОМЕТА́ ть *несов. см.* **домести́**.

ДОМЕША́ ть *сов.* (*несов.* **доме́шивать** II) *что* аралаштириб бўлмоқ, тобига (меъёрига) етказиб аралаштирмоқ.

ДОМЕ́ШИВАТЬ I *несов. см.* **домеси́ть**.

ДОМЕ́ШИВАТЬ II *несов. см.* **домеша́ть**.

ДО́МИК *м* кичкина уй, уйча, уй, кулба; ✦ **ка́рточный ~** *см.* **ка́рточный**.

ДОМИНА́НТА *ж книжн.* доминанта (1 асосий белги, устун турган нарса, ҳукмрон ғоя; 2 *муз.* диатоник гаммаининг бешинчи пардаси; 3 *биол.* наслдан-наслга ўтувчи асосий белги).

ДОМИНА́НТНЫЙ, **-ая**, **-ое** *книжн.* доминант, асосий; **~ при́знак** доминант (асосий) белги.

ДОМИНИО́Н *м* доминион (1947 йилгача Британия империясига кирган, формал жиҳатдан мустақил бўлган давлат).

ДОМИНИ́Р/ОВАТЬ *несов.* 1 *над чем* (нисбатан) баланд бўлмоқ, баланд (кўтарилиб) турмоқ; **горá ~ует над го́родом** тоғ (тепалик) шаҳардан баланд, яъни тоғдан, тепаликдан шаҳар кафтдек кўриниб туради; 2 *перен.* устун бўлмоқ, устун турмоқ, ҳукмронлик қилмоқ.

ДОМИНИ́РУЮЩ/ИЙ, **-ая**, **-ее** устун бўлган, устун турган, устунлик қилувчи, устун, ҳукмрон (асосий) ҳисобланган; **~ее положе́ние** устун (ҳукмрон) вазият; **игра́ть ~ую роль** асосий роль ўйнамоқ.

ДОМИНО́ I *с нескл.* домино (маскарад кийими).

ДОМИНО́ II *с нескл.* домино (ўйин); **игра́ть в ~** домино ўйнамоқ.

ДОМИНО́ШНИК *м разг.* домино ўйновчи, доминобоз.

ДОМКО́М *м* (домово́й комите́т) домком, уй (маҳалла) қомитети.

ДОМКО́МОВСКИЙ, **-ая**, **-ое** уй (маҳалла) комитетига оид; домком...

ДОМКРА́Т *м тех.* домкрат; **винтово́й ~** винтли домкрат.

ДОМКРА́ТНЫЙ, **-ая**, **-ое** домкратга оид; домкратли, домкрат...

ДО́МНА *ж*, *р. мн.* **до́мен** домна печи, домна.

ДОМОВИ́ТЫЙ, **-ая**, **-ое** уй-рўзғорга яхши қарайдиган, режали, миришкор; **~ хозя́ин** миришкор хўжайин.

ДОМОВЛАДЕ́ЛЕЦ *м*, *р.* **-льца** уй (ҳовли-жой) эгаси, соҳиби.

ДОМОВЛАДЕ́ЛИЦА *ж см.* **домовладе́лец**.

ДОМОВЛАДЕ́ЛЬЧЕСКИЙ, **-ая**, **-ое** уйга эгалик билан боғлиқ бўлган; уйга эгалик...

ДОМОВЛАДЕ́НИЕ *с* 1 *уст.* **уйга-эгалик**; 2 уй, ҳовли-жой.

ДОМОВНИ́ЧАТЬ *несов. разг.* уйга қараб турмоқ, уйни саранжом-саришта тутмоқ (бошқалар йўғида).

ДОМОВО́ДСТВО *с* рўзғоршунослик; уй-рўзғор тутиш; уй-рўзғор ишлари.

ДОМОВО́ДЧЕСКИЙ, **-ая**, **-ое** рўзғоршуносликка оид; рўзғоршунослик...; уй-рўзғор ишлари...; **~ кружо́к** рўзғоршунослик (уй-рўзғор ишлари) тўгараги.

ДОМОВО́Й *м*, *р.* **-о́го** жин, ажина.

ДОМО́В/ЫЙ, **-ая**, **-ое** уйга оид; уй...; **~ая кни́га** уй дафтари.

ДОМОГА́ТЕЛЬСТВО *с* қўярда-қўймай талаб қилиш, хиралик билан сўраш, ундириш; хиралик, шилқимлик.

ДОМОГА́ТЬСЯ *несов. чего* қўярда-қўймай талаб қилмоқ, хиралик билан сўрамоқ, хиралик (шилқимлик) билан қўлга киритишга интилмоқ.

ДОМОДЕ́ЛЬНЫЙ, **-ая**, **-ое** *разг. то же, что* **самоде́льный**.

ДОМО́Й *нареч.* 1 уйга, уйига; **идти́ ~** уйга кетмоқ (бормоқ); **мне пора́ ~** вақт бўлди, мен уйга кетишим керак; 2 юртига; **возврати́ться ~** юртига қайтмоқ.

ДОМОЛА́ЧИВАТЬ *несов. см.* **домолоти́ть**.

ДОМОЛОТИ́ТЬ, **-очу́**, **-о́тишь** *сов.* (*несов.* **домола́чивать**) *что* янчиб бўлмоқ, батамом (ҳаммасини) янчиб қўймоқ.

ДОМОЛО́ТЬ, **-мелю́**, **-ме́лешь** *сов.* (*несов.* **дома́лывать**) тортиб (ёки туйиб) бўлмоқ, батамом, ҳаммасини тортиб (ёки туйиб) қўймоқ.

ДОМОНО́ПОЛИСТИЧЕСКИЙ, **-ая**, **-ое** монополистик капитализм юзага келмасдан илгариги, томонополистик; **~ капитали́зм** томонополистик капитализм.

ДОМОПРАВИ́ТЕЛЬ *м уст.* уй-рўзғор бошқарувчиси, уй-рўзғорни бошқарувчи хизматкор.

ДОМОПРАВИ́ТЕЛЬНИЦА *ж уст. см.* **домоправи́тель**.

ДОМОРО́ЩЕНН/ЫЙ, **-ая**, **-ое** 1 уйда етиштирилган, қўлда қилинган, хонаки, қўлбола; жайдари; **~ые ло́шади** жайдари отлар; 2 *перен. ирон.* етук бўлмаган, жуда оддий, шунчаки, жўн; **~ый писа́тель** жўн (шунчаки) ёзувчи.

ДОМОСЕ́Д *м* уйдан эшикка чиқмайдиган (доим уйида ўтирадиган) одам, хонанишин.

ДОМОСЕ́ДКА *ж*, *р. мн.* **-док** *см.* **домосе́д**.

ДОМОСТРОЕ́НИЕ *с* уйсозлик, бинокорлик, уй-жой қуриш ишлари.

ДОМОСТРОИ́ТЕЛЬНЫЙ, **-ая**, **-ое** уй-жой қурадиган, уйсозлик..., бинокорлик...; **~ комбина́т** уйсозлик комбинати.

ДОМОСТРОИ́ТЕЛЬСТВО *с то же, что* **домострое́ние**.

ДОМОТКА́Н/ЫЙ, **-ая**, **-ое** уйда (қўлда) тўқилган, хонаки; **~ое сукно́** қўлда тўқилган мовут.

ДОМОУПРАВЛЕ́НИЕ *с* уй(лар) бошқармаси.

ДОМОХО́ЗЯИН *м*, *мн.* **-я́ева** 1 уй эгаси, соҳиби; 2 *уст.* хонадон (хўжалик) бошлиғи (қишлоқда).

ДОМОХОЗЯ́ЙКА *ж*, *р. мн.* **-я́ек** 1 *см.* **домохозя́ин**; 2 уй ишлари билан шуғулланувчи аёл, уй бекаси.

ДОМОЧА́ДЦЫ *мн.* (*ед.* **домоча́дец** *м*) оила аъзолари (шу жумладан қимсаникида оила аъзолари қатори яшовчи кишилар); уйдагилар.

ДО́МРА *ж* дўмра (мандалинасимон рус халқ музика асбоби).

ДОМРАБО́ТНИЦА *ж* уй хизматчиси.

ДОМРИ́СТ *м* дўмрачи, дўмра чалувчи.

ДОМЧА́ ть *сов. разг.* 1 *кого-что* тез (зинғиллатиб, ғизиллатиб, елдай учириб) олиб бориб қўймоқ, етказмоқ (арава, машина ва ш. к. да); 2 *то же, что* **домча́ться**.

ДОМЧА́ТЬСЯ *сов. разг.* тез (зинғиллаб, ғизиллаб, елдай учиб) етиб бормоқ, етиб келмоқ, етмоқ (югуриб ёки арава, машина ва ш. к. да).

ДОМЫВА́ ть *несов. см.* **домы́ть**.

ДОМЫС/ЕЛ *м*, *р.* **-сла** ўйлаб чиқарилган нарса, уйдирма; хаёл, гумон; **пусты́е ~лы** пуч хаёллар; асоссиз (уйдирма) гаплар.

ДОМЫ́ТЬ, **-мо́ю**, **-мо́ешь** *сов.* (*несов.* **домыва́ть**) 1 *кого-что* ювиб бўлмоқ, ювиб қўймоқ; 2 -гача (-гунча) ювмоқ.

ДОНАГА *нареч.* қип-яланғоч бўлиб (қилиб), қип-яланғоч; **разде́ться ~** қип-яланғоч бўлиб ечинмоқ, ечиниб қип-яланғоч бўлмоқ.

ДОНА́ШИВАТЬ *несов. см.* **доноси́ть** I.

ДОНА́ШИВАТЬСЯ *несов. см.* **доноси́ться** I.

ДОНГ *м* донг (Вьетнамда пул бирлиги).

ДОНЕ́ЛЬЗЯ *нареч. разг.* жуда ҳам, ҳаддан ташқари, ғоят, бўлмайдиган даражада; **~ уста́л** жуда ҳам чарчади(м).

ДОНЕСЕ́НИЕ *с* хабар, маълумот; **~ разве́дки** разведка маълумоти, хабари.

ДОНЕСТИ́ I, **-су́**, **-сёшь**; **-ёс**, **-есла́** *сов.* (*несов.* **доноси́ть** I) 1 *кого-что* элтиб қўймоқ, олиб бориб қўймоқ; **~ чемода́н до до́ма** чамадонни уйга(ча) олиб бормоқ (олиб бориб қўймоқ); 2 *что* етказмоқ; эшиттирмоқ; **ве́тер донёс звуки́ стрельбы́** шамол отишмаларнинг товушини олиб келди (қулоққа етказди).

ДОНЕСТИ́ II, **-су́**, **-сёшь**; **-ёс**, **-есла́** *сов.* (*несов.* **доноси́ть** II) 1 *о чём* хабар бермоқ, маълумот бермоқ, билдирмоқ, огоҳ қилиб қўймоқ; **~ о приближе́нии проти́вника** душманнинг яқинлашиб келаётгани ҳақида хабар бермоқ, душманнинг яқинлашиб келаётганидан хабардор қилмоқ; 2 *на кого-что* чақмоқ, чақимчилик қилмоқ.

ДОНЕС/ТИСЬ, **-су́сь**, **-сёшься**; **-ёсся**, **-есла́сь** *сов.* 1 (*несов.* **доноси́ться** II) етиб келмоқ, эшитилмоқ; **~ли́сь слу́хи** миш-миш гаплар (овозалар) эшитилди; **из-за реки́**

www.ziyouz.com kutubxonasi

~лась пе́сня дарёнинг ортидан ашула овози эшитилди; 2 *разг.* етиб бормоқ (келмоқ); тез етмоқ (отда, арава ва ш. к. да ёки югуриб).

ДОНЕ́Ц *м, р.* **-нца́** дон казаги, донлик.

ДОНЖУА́Н *м* донжуан, хотинбоз.

ДОНЖУА́НСКИЙ, -ая, -ое донжуанларга (хотинбозларга) оид, уларга хос бўлган.

ДОНЖУА́НСТВО *с* донжуанлик, хотинбозлик.

ДО́НИЗУ *нареч.* пастгача, тагигача, остигача, қуйигача; **све́рху ~** юқоридан пастгача (қуйигача).

ДО́НИМАТЬ *несов. см.* **доня́ть.**

ДОНКИХО́Т *м* соддадил, хаёлпараст одам, хомхаёл.

ДОНКИХО́ТСТВО *с* донкихотлик, хомхаёллик.

ДО́ННИК *м* қашқарбеда, туяйўнғичқа.

ДО́ННЫЙ, -ая, -ое *прил. от* **дно** остидаги, тагидаги, тубидаги; ост..., таг.., туб...; **~ый песо́к** сув тагидаги қум, сув тагидан олинган қум; **~ый лов ры́бы** сув остидаги балиқларни овлаш; **~ая ми́на** сув остига қўйиладиган мина, сув ости минаси.

ДО́НОР *м* донор.

ДО́НОРСКИЙ, -ая, -ое донорларга оид; донор(лар)...; **~ая кровь** донорлардан олинган қон, донор қони; **~ий пункт** донорлар пункти.

ДО́НОРСТВО *с* донорлик.

ДОНО́С *м* чақим, чақув, зимдан берилган хабар, маълумот; **~ преда́теля** сотқиннинг чақуви (зимдан берган хабари, маълумоти).

ДОНОСИ́ТЕЛЬСТВО *с* чақимчилик, тилчилик, зимдан гап (хабар) ташиш, чақув.

ДОНОСИ́ТЬ I, -ошу́, -о́сишь *сов.* (*несов.* **дона́шивать**) 1 *что* ташиб бўлмоқ, ташиб қўймоқ, ҳаммасини (қолган-қутганларини ҳам) олиб бориб қўймоқ; 2 *что* қийиб адо қилмоқ, тўзитмоқ, тўзиб тамом бўлгунча киймоқ; **~ ста́рое пла́тье** эски кўйлакни қийиб адо қилмоқ; 3 *кого* вақт-соатида туғмоқ.

ДОНОСИ́ТЬ II, -ошу́, -о́сишь *несов. см.* **донести́** I.

ДОНОСИ́ТЬ III, -ошу́, -о́сишь *несов. см.* **донести́** II.

ДОНОСИ́ТЬСЯ I *сов.* (*несов.* **дона́шиваться**) қийилиб адо бўлмоқ, тўзмоқ, ишдан чиқмоқ.

ДОНОСИ́ТЬСЯ II *несов. см.* **донести́сь** 1.

ДОНО́СЧИК *м* чақимчи, зимдан хабар (гап) ташувчи, тилчи.

ДОНО́СЧИЦА *ж см.* **доно́счик.**

ДОНСКО́Й, -а́я, -о́е Донга оид; Дон...; **~ каза́к** Дон казаги, донлик казак.

ДО́НЦЕ *с уменьш. от* **дно** 2.

ДО́НЫНЕ *нареч. книжн.* ҳозирги вақтгача, ҳозиргача, ҳанузгача, ҳануз, ҳамон, ҳали ҳам, ҳали-ҳали.

ДО́НЫШКО *с уменьш. от* **дно** 2.

ДОНЯ́ТЬ, дойму́, доймёшь *сов.* (*несов.* **донима́ть**) *кого-что разг.* жонига тегмоқ, чарчатмоқ, безор қилмоқ, тинкасини қуритмоқ, қонини қайнатмоқ; **~ про́сьбами** илтимослар билан чарчатмоқ.

ДООБЕДЕ́ННЫЙ, -ая, -ое тушликдан (обеддан) олдинги, тушки овқатга қадар бўлган (бўладиган); **~ая прогу́лка** овқатдан олдин айланиб келиш, овқатдан олдинги сайр.

ДООКТЯБРЬСКИЙ, -ая, -ое октябрдан (Октябрь революциясидан) илгариги, октябргача (октябрга қадар) бўлган; **~ая Росси́я** Октябрдан илгариги Россия.

ДОПА́ЛЫВАТЬ *несов. см.* **дополо́ть.**

ДОПЕВА́ТЬ *несов. см.* **допе́ть.**

ДОПЕКА́ТЬ *несов. см.* **допе́чь.**

ДОПЕТРО́ВСКИЙ, -ая, -ое Пётр I давридан илгариги, Пётр I гача бўлган; **~ая Русь** Пётрдан (Пётр I давридан) илгариги Русь.

ДОПЕ́ТЬ, -пою́, -поёшь *сов.* (*несов.* **допева́ть**) *что* қўшиқни охирига етказмоқ, охиригача айтмоқ.

ДОПЕЧА́ТАТЬ *сов* (*несов.* **допеча́тывать**) *что* 1 охиригача босмоқ, чоп қилмоқ, ҳаммасини босиб бўлмоқ, босиб қўймоқ; **~ кни́гу** китобни охиригача босиб бўлмоқ; 2 яна (қўшимча равишда) босмоқ; **~ де́сять экземпля́ров** яна ўн нусха босмоқ.

ДОПЕЧА́ТКА *ж по гл.* **допеча́тать.**

ДОПЕЧА́ТЫВАТЬ *несов. см.* **допеча́тать.**

ДОПЕ́ЧЬ, -еку́, -ечёшь; -ёк, -екла́ *сов.* (*несов.* **допека́ть**) 1 *что* ҳаммасини пиширив (ёпиб) бўлмоқ, пиширив (ёпиб) қўймоқ; **~ блины́** блинларни пиширив бўлмоқ; 2 *перен. кого-что разг.* маррасига олиб бориб тақамоқ, жонидан безор қилмоқ, чарчатмоқ, тинкасини қуритмоқ, жонини олмоқ; **~ замеча́ниями** танбеҳлар билан жонини олмоқ.

ДОПЕ́ЧЬСЯ, -ечётся, -еку́тся; -ёкся, -екла́сь *сов.* яхши пишмоқ, сингиб пишмоқ; **пиро́г допёкся** пирог яхши (сингиб) пишибди.

ДОПИВА́ТЬ *несов. см.* **допи́ть.**

ДОПИВА́ТЬСЯ *несов. см.* **допи́ться.**

ДОПИ́НГ *м* допинг (гайратни оширувчи модда, восита).

ДОПИ́НГОВЫЙ, -ая, -ое допингга оид; допинг истеъмол қилиш билан боғланган; **~ контро́ль** допинг истеъмол қилган-қилмаганлигини текшириш (спорт ўйинларида).

ДОПИСА́ТЬ, -ишу́, -и́шешь *сов.* (*несов.* **допи́сывать**) *что* 1 ёзиб тамомламоқ, ёзиб бўлмоқ, ёзиб қўймоқ, битирмоқ; **~ письмо́** хатни ёзиб тамомламоқ; **~ карти́ну** суратни битирмоқ; 2 яна (чаласини) ёзмоқ, ёзиб тўлдирмоқ; **~ не́сколько строк** яна бир неча сатр ёзиб тўлдирмоқ.

ДОПИСА́ТЬСЯ *сов. до чего разг.* ёзавериб чарчамоқ (ёки бирор шикаст орттирмоқ).

ДОПИ́СЫВАТЬ *несов. см.* **дописа́ть.**

ДОПИ́ТЬ, -пью, -пьёшь *сов.* (*несов.* **допива́ть**) *что* охиригача ичмоқ, ичиб қўймоқ, ичиб тамом қилмоқ; **~ стака́н ча́ю** стакандаги чойни охиригача ичмоқ (ичиб қўймоқ).

ДОПИ́ТЬСЯ, -пью́сь, -пьёшься *сов.* (*несов.* **допива́ться**) *до чего разг.* ичавериб бирор ҳолатга етмоқ, бирор ҳолатга етгунча ичмоқ, ичкиликбозлик орқасидан бирор шикаст топмоқ; **[Хозя́ин] ~лся уже́ до того́, что не мо́жет говори́ть** (М. Горький) Хўжайин шунчалик ичиб олганки, гапиролмайди.

ДОПЛА́ТА *ж* 1 қўшимча тўлаш, қолганини (етмаганини) тўлаш; 2 қўшимча тўлов, қўшимча ҳақ; **~ за перераба́тку** ортиқча иш қилганлик учун қўшимча ҳақ; **~ за плацка́рту** плацкартали ўринга қўшимча ҳақ.

ДОПЛАТИ́ТЬ, -ачу́, -а́тишь *сов.* (*несов.* **допла́чивать**) *что* қўшимча тўламоқ, қолганини (камини) тўламоқ; **~ пять рубле́й** қўшимча (яна) беш сўм тўламоқ.

ДОПЛА́ТНО́Й, -а́я, -о́е пулини (ҳақини) тўлаб олинадиган; **~е письмо́** пулини тўлаб олинадиган (яъни маркасиз юборилган) хат.

ДОПЛА́ЧИВАТЬ *несов. см.* **доплати́ть.**

ДОПЛЕСТИ́СЬ, -плету́сь, -плетёшься; -плёлся, -плела́сь *сов. до чего разг.* судралиб (қоқила-суқила) аранг етмоқ, зўрға етиб олмоқ; **~ до до́ма** судралиб (қоқила-суқила) уйга аранг етиб олмоқ.

ДОПЛЫВА́ТЬ *несов. см.* **доплы́ть.**

ДОПЛЫ́ТЬ *сов.* (*несов.* **доплыва́ть**) *до чего* сузиб етиб бормоқ, -гача сузиб бормоқ; **~ до бе́рега** қирғоққача сузиб бормоқ.

ДОПОДЛИ́ННО *нареч. разг.* аниқ, аниғи билан; **мне э́то ~ изве́стно** бу менга аниқ маълум, буни **мен** аниқ биламан; **~ изве́стно, что...** аниқ маълумки...

ДОПОДЛИ́ННЫЙ, -ая, -ое *разг.* аниқ, аниқ-тиниқ, ишончли; чинакам, ҳақиқий; **~е све́дения** аниқ маълумотлар.

ДОПО́ЗДНА *нареч. разг.* аллавақтгача, алламаҳалгача, жуда ҳам кеч киргунча; **засиде́лись ~** алламаҳалгача ўтириб қолдик (қолибмиз, қолишибди).

ДОПО́ЛЗАТЬ *несов. см.* **доползти́.**

ДОПОЛЗТИ́, -зу́, -зёшь; -о́лз, -олзла́ *сов.* (*несов.* **дополза́ть**) *до чего* судралиб (эмаклаб, ўрмалаб) бориб етмоқ, ...гача судралиб (ўрмалаб, эмаклаб) бормоқ; **~ до две́ри** эшикнинг олдигача судралиб бормоқ.

ДОПО́ЛНА *нареч. разг.* тўлдириб, лиқ тўлгунча, лиммо-лим қилиб, бўгзигача, оғзигача; **нали́ть ~** лиммо-лим қилиб қўймоқ.

ДОПО́ЛНЕНИЕ *с* 1 *по гл.* **допо́лнить;** 2 қўшимча, илова; **~е к резолю́ции** резолюцияга қўшимча; **в ~и** қўшимча қилмоқ; *3 грам.* тўлдирувчи; **прямо́е ~е** воситасиз тўлдирувчи; **ко́свенное ~е** воситали тўлдирувчи.

ДОПО́ЛНИТЕЛЬНО *нареч.* қўшимча равишда, қўшимча қилиб, -дан ташқари, яна; **ему́ да́ли ~ де́сять дней**

www.ziyouz.com kutubxonasi

о́тпуска унга қўшимча яна ўн кун отпуска беришди; **об э́том бу́дет сообще́но** ~ бу ҳақда қўшимча (алоҳида) хабар берилади.

ДОПОЛНИ́ТЕЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое 1 қўшимча қилинган, қўшимча равишда берилган (бериладиган) ёки олинган (олинадиган); қўшимча; **~ая опла́та** қўшимча ҳақ; **~ый о́тпуск** қўшимча отпуска; **~ые цвета́** *физ.* қўшимча ранглар; 2 *грам.* тўлдирувчи; **~ое прида́точное предложе́ние** тўлдирувчи эргаш гап.

ДОПОЛНИ́ТЬ *сов.* (*несов.* **дополня́ть**) 1 *что* тўлдирмоқ, кам-кўстини (етишмаганини) қўшмоқ, қўшиб мукаммаллаштирмоқ, илова қилмоқ; ~ **резолю́цию** резолюцияни тўлдирмоқ; 2 *кого-что* айтганини тўлдирмоқ, айтганига қўшимча қилмоқ; ~ **докла́дчика** докладчининг сўзига қўшимча қилмоқ; 3 *что чем* яна солиб (қўйиб, ортиб ва ҳ. к.) тўлдирмоқ, тўлгунча солмоқ (қўймоқ, ортмоқ); ~ **ваго́н зерно́м** вагонга яна ғалла ортиб тўлдирмоқ.

ДОПО́ЛНИТЬСЯ, -ится *сов.* (*несов.* **дополня́ться**) тўлмоқ, тўла (мукаммал) бўлмоқ.

ДОПО́ЛНЯТЬ *несов. см.* **допо́лнить**; ~ **друг дру́га** *перен.* бир-бирини тўлдирмоқ; бирининг кам-кўстини бири тўлдириб, бутунлик ҳосил қилмоқ.

ДОПО́ЛНЯТЬСЯ, -я́ется *несов.* 1 *см.* **допо́лниться**; 2 *страд. от* **дополня́ть**.

ДОПОЛО́ТЬ, -олю́, -о́лешь *сов.* (*несов.* **допа́лывать**) 1 ўтаб бўлмоқ, батамом ўтоқ қилиб қўймоқ; 2 бирор еригача ўтаб бормоқ, ўтаб қўймоқ.

ДОПОЛУ́ЧАТЬ *несов. см.* **дополучи́ть**.

ДОПОЛУЧИ́ТЬ *сов.* (*несов.* **дополуча́ть**) қолганини (етмаганини, камини) ҳам олмоқ, қўшимча равишда яна олмоқ.

ДОПОТО́ПНЫ/Й, -ая, -ое *разг. шутл.* алмисоқдан (дақ-қиюнусдан) қолган, оёқдан қолган, аллақачон эскирган, қадимий; ~**е взгля́ды** аллақачон эскирган қарашлар; ~**е ору́дия** оёқдан қолган қуроллар.

ДОПРА́ШИВАТЬ *несов. см.* **допроси́ть**.

ДОПРИЗЫВНИК *м* допризивник (ҳарбий чақириққа тайёрланувчи ўспирин).

ДОПРИЗЫВН/ЫЙ, -ая, -ое ҳарбий хизматга чақирилиш олдидан бўладиган, ҳарбий чақириқдан олдинги; ~**ая подгото́вка** ҳарбий чақириқдан олдинги тайёргарлик.

ДОПРО́С *м* сўроқ қилиш, сўроқ; **снять** ~ сўроқ қилиб ёзиб олмоқ; **подве́ргнуть** ~**у** сўроқ қилмоқ; ~ **свиде́теля** гувоҳни сўроқ қилиш; **приступи́ть** *к кому-л.* **с** ~**ом** *перен. разг.* кимсадан сўроқ қилгандек суриштирмоқ, ҳадеб (тагига етгунча) сўрайвермоқ.

ДОПРОСИ́ТЬ, -ошу́, -о́сишь *сов.* (*несов.* **допра́шивать**) *кого-что* сўроқ қилмоқ.

ДОПРОСИ́ТЬСЯ I, -ошу́сь, -о́сишься *сов. чего разг.* ялиниб сўраб олмоқ, илтимос (илтижо) қилиб ундирмоқ (ёки кўндирмоқ); **у него́ ничего́ не допро́сишься** сўраган билан ундан ҳеч нарса ололмайсан, сўраган билан у ҳеч нарса бермайди (яъни, у жуда қаттиққўл).

ДОПРОСИ́ТЬСЯ II, -ошу́сь, -о́сишься *сов. разг.* сўроқлаб билмоқ, суриштириб аниқламоқ.

ДОПРО́СНЫЙ, -ая, -ое сўроқ учун белгиланган; сўроқ...; ~ **лист** сўроқ варақаси.

ДОПРЫГА́ТЬСЯ *сов.* 1 *разг.* сакрайвериб чарчамоқ (ёки бирор шикаст орттирмоқ); 2 *прост. то же, что* **доигра́ться** 2.

ДОПУСК *м* 1 кириш (ёки фойдаланиш, қатнашиш ва ҳ. к.) ҳуқуқи; рухсат, ижозат; **име́ть** ~ **в лаборато́рию** лабораторияга кириш ҳуқуқига эга бўлмоқ; ~ **к секре́тным докуме́нтам** махфий ҳужжатлардан фойдаланиш (ёки улар билан ишлаш) ҳуқуқи; 2 *тех.* допуск, қўйим; ~ **на обрабо́тку** ишлов бериш учун қолдирилган қўйим.

ДОПУСКА́ТЬ *несов. см.* **допусти́ть** 1, 2; **не** ~**ю мы́сли** менимча бундай бўлиши мумкин эмас, бундай бўлишига ақлим етмайди, бунга ақл бовар қилмайди.

ДОПУСКА́ТЬСЯ *несов.* 1 кириш (ёки фойдаланиш, қатнашиш ва ҳ. к.) ҳуқуқига эга бўлмоқ, кира (фойдалана, қатнаша) олмоқ; киритилмоқ; **на вече́рние сеа́нсы де́ти до шестна́дцати лет не** ~**ются** ўн олти ёшгача бўлган болалар кечки сеансларга киритилмайди; 2 жоиз бўлмоқ, йўл қўймоқ, рухсат (ижозат) этилмоқ; **э́то не** ~**ется** бунга йўл қўйилмайди, **бу мумкин (жоиз) эмас**; бу ман этилган; 3 *страд. от* **допуска́ть**.

ДОПУСТИ́М/ЫЙ, -ая, -ое йўл қўйилган (қўйиладиган), рухсат (ижозат) этилган, мумкин бўлган, жоиз; ~**ые отклоне́ния** йўл қўйилиши мумкин бўлган оғишлар (чекинишлар); 2 бўлиши (фараз қилиниши) мумкин бўлган, эҳтимолга яқин; **э́то вполне́** ~**о** 1) бунга йўл қўйилиши мумкин, бу мутлақо жоиз; 2) бу эҳтимолдан узоқ эмас, бўлиши мумкин.

ДОПУСТИ́ТЬ, -ущу́, -у́стишь *сов.* 1 (*несов.* **допуска́ть**) *кого-что до кого-чего* или *к кому-чему* киришга (ёки фойдаланишга, қатнашишга ва ҳ. к. га) ҳуқуқ бермоқ, рухсат (ижозат) этмоқ; ~ **к ко́нкурсу** конкурсда қатнашишга рухсат этмоқ, конкурсга қўймоқ, қатнаштирмоқ; ~ **к экза́менам** имтиҳонга қўймоқ; ~**до больно́го** беморнинг олдига киритмоқ (киришга рухсат бермоқ); 2 (*несов.* **допуска́ть**) *что* йўл қўймоқ, рухсат (ижозат) бермоқ; ~ **не́которые измене́ния** баъзи ўзгаришларга йўл қўймоқ, баъзи ўзгаришлар киритишга рухсат бермоқ; **э́того нельзя́** ~ бунга йўл қўйиб бўлмайди; 3 бўлиши мумкин деб билмоқ (ҳисобламоқ), ...деб ўйламоқ, эҳтимол тутмоқ, фараз (гумон) қилмоқ; 4 *в знач. вводн. сл.* **допу́стим** фараз қилайлик, деяйлик; **допу́стим, э́то так** фараз қилайлик, шундай ҳам бўлсин, борингки, шундай ҳам бўлсин; **допу́стим, вы правы́** хўп, сиз ҳақ(ли)сиз ҳам дейлик.

ДОПУЩЕ́НИЕ *с* 1 *по гл.* **допусти́ть** 1; 2 *книжн.* фараз, тахмин, эҳтимол, ўй, гумон; **неве́рное** ~ нотўғри тахмин.

ДОПЫТА́ТЬСЯ *сов.* (*несов.* **допы́тываться**) *разг.* суриштириб (сўроқлаб) билмоқ, аниқламоқ, тагига етмоқ.

ДОПЫ́ТЫВАТЬСЯ *несов. см.* **допыта́ться**.

ДОПЬЯНА́ и **ДО́ПЬЯНА** *нареч. разг.* (қаттиқ) маст бўлгунча; **напои́ть** ~ (қаттиқ) маст бўлгунча ичирмоқ, ичириб маст қилмоқ; **напи́ться** ~ (қаттиқ) маст бўлгунча ичмоқ, ичиб маст бўлмоқ.

ДОРАБА́ТЫВАТЬ *несов. см.* **дорабо́тать**.

ДОРАБА́ТЫВАТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **дорабо́таться**; 2 *страд. от* **дорабо́тать**.

ДОРАБО́ТАТЬ *сов.* (*несов.* **дорабо́тывать**) 1 *что* ишнинг кам-кўстини (чаласини) тўлдириб охирига, тамомига етказмоқ, тамом қилмоқ, қўлдан чиқармоқ; ~ **прое́кт** проектни қўлдан чиқармоқ; 2 бирор пайтгача ишламоқ; ~ **до утра́** эрталабгача ишламоқ.

ДОРАБО́ТАТЬСЯ *сов.* (*несов.* **дорабо́тываться**) 1 *до чего разг.* ишлайвериб чарчамоқ (бирор ҳолатга етмоқ ёки шикаст топмоқ); 2 ишлаб (меҳнат билан) бирор натижага эришмоқ.

ДОРАБО́ТКА *ж* ишнинг кам-кўстини, чаласини тўлдириб охирига етказиш, тамомлаш, қўлдан чиқариш; ~ **ру́кописи** қўл ёзманинг чаласини, кам-кўстини тўлдириш.

ДОРАСТА́ТЬ *несов. см.* **дорасти́**.

ДОРАСТИ́, -ту́, -тёшь, -рос́, -росла́ *сов.* (*несов.* **дораста́ть**) 1 ўсиб (бўйи чўзилиб) бирор жойга етмоқ; **де́рево доросло́ до са́мой кры́ши** дарахт ўсиб томга етди; 2 бирор ёшга бормоқ; **он ещё не дорос́, что́бы...** *разг.* ҳали ёшлик қилади; ✦ **нос не дорос́** *шутл.* ҳали ёш, гўдак, жўжахўроз.

ДОРВА́ТЬ *сов.* (*несов.* **дорыва́ть** I) 1 териб (узиб, юлиб) бўлмоқ, батамом териб (узиб, юлиб) олмоқ; ~ **с гря́док клубни́ку** пуштадаги қулупнайни батамом териб олмоқ; 2 *разг.* батамом тўзитмоқ, кийиб адо қилмоқ; ~ **ту́фли** туфлини кийиб адо қилмоқ.

ДОРВА́ТЬСЯ *сов.* (*несов.* **дорыва́ться** I) *до чего прост.* 1 (аранг) етишмоқ, етишиб, ҳеч кўрмагандек ёпишмоқ, ўзини ташламоқ; ташланмоқ; ~ **до еды́** овқатга ўзини ташламоқ; 2 оқибатда бирор ҳолатга тушмоқ, йўлиқмоқ; ~ **до беды́** оқибатда бир балога йўлиқмоқ.

ДОРЕВОЛЮЦИО́ННЫЙ, -ая, -ое революциядан илгариги, революциягача бўлган; ~ **пери́од** революциядан илгариги давр.

ДОРЕЗА́ТЬ, -е́жу, -е́жешь *сов.* (*несов.* **дореза́ть**) 1 қирқиб (кесиб) бўлмоқ, ҳаммасини қирқиб (кесиб) қўймоқ; ~ **хлеб** нонни (батамом) кесиб қўймоқ; 2 бирор еригача кесиб (қирқиб) бормоқ; 3 яна кесмоқ, кесиб қўшмоқ.

ДОРЕЗА́ТЬ *несов. см.* **доре́зать**.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ДОРЕФО́РМЕННЫЙ, -ая, -ое ислоҳотдан олдин (ислоҳотгача) бўлган.

ДОРИСОВА́ТЬ, -су́ю, -су́ешь *сов.* (*несов.* **дорисо́вывать**) *кого-что* расмни охиригача етказмоқ, чаласини чизиб битирмоқ, қўлдан чиқармоқ; ~ **портре́т** портретни битирмоқ.

ДОРИСО́ВЫВАТЬ *несов. см.* **дорисова́ть**.

ДОРИ́ЧЕСК/ИЙ, -ая, -ое Дорида (Юнонистоннинг Дорида вилояти)га оид; дорий. дорида...; ~ **диале́кт** дорида шеваси; ~**ий о́рдер** *архит.* дорида ордери, дорида услуби; ~**ая коло́нна** *архит.* дорида услубидаги колонна.

ДОРМЕ́З *м* ухлаб кетишга мосланган қадимий арава.

ДОРО́Г/А *ж* 1 йўл (алоқа, қатнов йўли); **шоссе́йная** ~**а** шоссе йўл; **грунто́вая** ~**а** тупроқ йўл; **просёлочная** ~**а** дала йўли; **возду́шная** ~**а** ҳаво йўли; **подвесна́я (кана́тная)** ~**а** осма йўл; **желе́зная** ~**а** темир йўл; **автомоби́льная** ~**а** автомобиллар қатнайдиган йўл; 2 йўл (бирор жойга бориладиган, ўтиладиган); **сби́ться с** ~**и** 1) йўлдан адашмоқ, йўлини йўқотиб қўймоқ; 2) *перен.* йўлдан озмоқ; **идти́ кратча́йшей** ~**ой** энг қисқа йўлдан бормоқ; **по** ~**е** 1) йўлда, кетаётганда, йўлакай; **по** ~**е домо́й** уйга кетаётганда; 2) йўли(миз) бир экан, ҳамроҳ экан(миз); **мне с тобо́й по** ~**е** иккимизнинг йўлимиз бир экан, ҳамроҳ эканмиз; **мне с ва́ми не по** ~**е** сиз билан бизнинг йўлимиз бошқа-бошқа экан; 3 *перен.* йўл, имконият; **откры́ть** ~**у** *кому-чему-л.* йўл очиб бермоқ, имкон туғдирмоқ; **стать (или стоя́ть) на** ~**е** *чьей;* **стать** или **стоя́ть поперёк** ~**и** *кому́* йўлини тўсмоқ, тўсқинлик қилмоқ, халақит бермоқ; **вы́йти на** ~**у** 1) йўлга чиқмоқ; 2) *перен.* йўлга тушиб олмоқ, йўлини топиб олмоқ; **найти́ свою́** ~**у** (ўз) йўлини топиб олмоқ; **иди́ своёй** ~**ой** йўлингдан қолма; **преградя́ть** ~**у** *прям.* и *перен.* йўлини тўсмоқ, йўлига тов солмоқ; **проложи́ть** ~**у** *кому-л.* йўл очиб (имкон туғдириб) бермоқ; **проложи́ть** (или **проби́ть**) **себе́** ~**у** ўзига йўл очиб олмоқ; **вы́вести** *кого-л.* **на широ́кую** ~**у** катта йўлга олиб чиқиб қўймоқ; **одна́ остаётся мне (ему́** *и т. д.*) ~**а** биргина йўл (илож) қолди; **перебежа́ть** ~**у** *кому* 1) йўлини (олдидан) кесиб ўтмоқ; 2) *перен. разг.* олдинроқ илиб кетмоқ; **дать** ~**у** *кому* 1) йўл бермоқ; 2) *перен.* имкон (йўл) бермоқ; 4 сафар, саёҳат, йўл; **да́льняя** ~**а** узоқ сафар; **уста́л с** ~**и** йўлдан (сафардан) чарчаб келдим; **написа́ть письмо́ с** ~**и** йўлдан (сафардан) хат ёзмоқ; **взять еды́ на** ~**у** йўлга озиқ-овқат олмоқ; **в** ~**е** йўлда, сафарда; **отпра́виться в** ~**у** йўлга чиқмоқ, сафарга жўнамоқ; ✦ **туда́ ему́ и** ~**а** ажаб бўпти; қилмиш-қидирмиш; **ска́тертью** ~**а!** тўрт томонинг(из) қибла! хоҳлаган ёққа боравер(инг)!

ДОРО́ГО *нареч.* 1 қиммат(га), баланд нарх билан; ~ **заплати́ть** *за что-л.* қиммат(га) олмоқ; ~ **прода́ть** қиммат сотмоқ, баланд нарх билан сотмоқ; 2 *перен.* осонлик билан эмас, зўр машаққат (қийинчиликлар) билан, қимматга; ~ **заплати́л за свои́ оши́бки** хатолари(м) қимматга тушди.

ДОРОГОВИ́ЗНА *ж* 1 қимматчилик; 2 нархларнинг баландлиги, қимматлик.

ДОРО́ГОЙ *нареч. разг.* йўлда, йўл-йўлакай; **поговори́м** ~ йўлда гаплашамиз; йўлакай гаплашиб кетамиз.

ДОРОГ/О́Й, -а́я, -о́е; **доро́же** 1 қимматли, қиммат турадиган, баҳоси (нархи) баланд, қиммат; қимматбаҳо; ~**о́й серви́з** қиммат сервиз; ~**ие меха́** қимматбаҳо мўйналар; **по** ~**о́й цене́** қиммат(га), баланд нарх билан; 2 *перен.* кўп меҳнат (маблағ ва ш. к.) талаб қиладиган, қимматга тушган; ~**а́я побе́да** қимматга тушган ғалаба; ~**о́й цено́й** *то же, что* **до́рого** 2; 3 *перен.* қадрли, қиммат, ардоқли, қиммат, азиз; **вре́мя до́рого** вақт ғанимат; **нам** ~**а́ па́мять о геро́ях** қаҳрамонлар хотираси биз учун жуда азиз; 4 қадрли, қадрдон, қимматли, азиз; ~**ие го́сти** азиз меҳмонлар; ~**о́й друг!** қадрли дўстим!; 5 *в знач. сущ.* ~**о́й** *м* қадрли дўстим, азизим; ~**а́я** *ж* азизам, жоним; **спаси́бо**, ~**о́й** раҳмат, азизим; ✦ ~**а́ ло́жка к обе́ду** (*л. м.* қошиқ овқат вақтида қиммат) ҳар бир нарса ўз вақтида керак, вақтида қадрли.

ДОРОГОСТОЯ́ЩИ/Й, -ая, -ее 1 қиммат турадиган, баланд нархли, қимматбаҳо; ~**е това́ры** қимматбаҳо моллар; 2 кўп маблағ талаб қиладиган, қимматга тушадиган.

ДОРОГУ́ША *м* и *ж разг.* азизим, дўстим (бетакаллуф мурожаат формаси).

ДОРО́ДНЫЙ, -ая, -ое; -ден, -дна тўладан келган, жуссали, тўла, барваста; ~ **мужчи́на** барваста киши.

ДОРО́ЖА/ТЬ, -а́ет *несов.* (*сов.* **вздорожа́ть** и **подорожа́ть**) қимматлашмоқ, нархи ошмоқ, баҳоси кўтарилмоқ.

ДОРО́ЖЕ *см.* **дорого́й**.

ДОРО́ЖЕНЬКА *ж, р. мн.* **-нек** *нар.-поэт. ласк. от* **доро́га** йўлгинам, йўлжон

ДОРО́Ж/ИТЬ *несов.* 1 *кем-чем* қадрламоқ, эъзозламоқ, ҳурмат қилмоқ, қадрига (қадр-қимматига) етмоқ; юқори баҳоламоқ; **я** ~**у́ ва́шим мне́нием** мен сизнинг фикрингизни жуда қимматли деб биламан; сизнинг фикрингиз мен учун жуда қимматли; ~**и́ть ка́драми** кадрларни эъзозламоқ; 2 *чем* аямоқ, тежамоқ; тежаб, аяб, тежаб-тергаб сарф қилмоқ, қадрламоқ; ~**и́ть свои́м вре́менем** ўз вақтини қадрламоқ, вақтининг қадрига етмоқ; ~**и́ть ка́ждой копе́йкой** ҳар бир тийинни тежамоқ (тежаб-тергаб сарфламоқ).

ДОРОЖИ́ТЬСЯ *несов.* (*сов.* **подорожи́ться**) *разг.* қиммат сўрамоқ, катта нарх қўймоқ (сотиладиган нарсасига).

ДОРО́ЖК/А *ж, р. мн.* **-жек** 1 *уменьш.-ласк. от* **доро́га**; 2 йўлка; **садо́вые** ~**и** боғ йўлкалари; **посыпа́ть** ~**и песко́м** йўлкаларга қум сепмоқ; **бокова́я** ~**а** йўл ёқасидаги (четидаги) йўлка; 3 сўқмоқ, сўқмоқ йўл; **лесна́я** ~**а** ўрмондаги сўқмоқ йўл; 4 йўл, йўлка; **бегова́я** ~**а** пойга йўли; **ста́ртовая** ~**а** старт йўли (йўлкаси); 5 дорожка, пояндоз; **ковро́вая** ~**а** гилам пояндоз; 6 ҳошия, сув (каштадўзликда); 7 *спец.* қармоқ; 8 *спец.* ариқча, ариқ.

ДОРО́ЖНИК *м* йўл қурувчи (ёки ундан фойдаланувчи) ишчи, мутахассис; йўлсоз, йўлчи; ~**и столи́цы** пойтахт йўлсозлари (йўлчилари).

ДОРО́ЖН/ЫЙ, -ая -ое 1 йўлга оид, йўл...; ~**ое строи́тельство** йўл қурилиши, йўлсозлик; 2 йўлга, сафарга оид; ~**ые впечатле́ния** сафар (йўл) таассуротлари; ~**ые расхо́ды** йўл харажатлари; ~**ый костю́м** йўлда (сафарда) кийиладиган костюм, йўл (сафар) кийими.

ДОРСА́ЛЬНЫ/Й, -ая, -ое 1 *анат.* орқадаги, орқа...; 2 *лингв.* дорсал, тилорқа...; ~**е согла́сные** тилорқа ундошлари.

ДОРТУА́Р *м уст.* умумий ётоқхона (ёпиқ ўқув юртларида).

ДОРУБА́ТЬ *несов. см.* **доруби́ть**.

ДОРУБИ́ТЬ, -ублю́, -у́бишь *сов.* (*несов.* **доруба́ть**) *что* 1 кесиб (ёки ёриб) бўлмоқ, батамом кесиб (ёриб) қўймоқ; ~ **дрова́** ўтинни ёриб қўймоқ; 2 яна кесмоқ (ёрмоқ); чаласини кесиб (ёриб) тўлдирмоқ; бирор еригача кесиб бормоқ.

ДОРЫВА́ТЬ I *несов. см.* **дорва́ть**.

ДОРЫВА́ТЬ II *несов. см.* **доры́ть**.

ДОРЫВА́ТЬСЯ I *несов.* 1 *см.* **дорва́ться I**; 2 *страд. от* **дорыва́ть I**.

ДОРЫВА́ТЬСЯ II *несов.* 1 *см.* **доры́ться**; 2 *страд. от* **дорыва́ть II**.

ДОРЫ́ТЬ, -ро́ю, -ро́ешь *сов.* (*несов.* **дорыва́ть II**) *что* 1 ковлаб (қазиб) бўлмоқ, охиригача ковлаб (қазиб) қўймоқ, ковлаб (қазиб) охирига етказмоқ; ~**я́му** ўрани қазиб бўлмоқ (қазиб қўймоқ); 2 бирор еригача ковлаб (қазиб) бормоқ.

ДОРЫ́ТЬСЯ, -ро́юсь, -ро́ешься *сов.* (*несов.* **дорыва́ться II**) ...-гача (...-гунча) ковлаб, қазиб бормоқ; ~ **до твёрдого гру́нта** қаттиқ заминга етгунча ковламоқ.

ДОСАД/А *ж* ўкинч, ачиниш, ранж, алам; **с** ~**ы** алам қилганидан; **пла́кать от** ~**ы** аламига чидай олмай йиғламоқ; ўкиниб (ранжиб) йиғламоқ; **кака́я** ~**а!** аттанг!, афсус!, эсизгина!, водариг!

ДОСАДИ́ТЬ I, -ажу́, -ади́шь *сов.* (*несов.* **досажда́ть**) *кому* ўкинтирмоқ, ўкситмоқ, хафа қилмоқ, ранжитмоқ, ранж етказмоқ, алам қилдирмоқ, алам қиладиган иш қилмоқ.

ДОСАДИ́ТЬ II, -ажу́, -а́дишь *сов.* (*несов.* **доса́живать**) *что* 1 ўтқазиб бўлмоқ, ҳаммасини ўтқазиб қўймоқ; ~ **помидо́ры** помидор кўчатларини ўтқазиб бўлмоқ (қўймоқ); 2 бирор еригача ўтқазиб бормоқ.

ДОСА́ДЛИВЫЙ, -ая, -ое ранжитадиган, ранж етказадиган; алам (ўкинч, ачиниш) ифодалайдиган, аламли, ўкинчли; ~ **тон** ўкинчли оҳанг.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ДОСА́ДНО 1 *нареч.* ранж билан, ранжиган куйи, аттанг, афсус, афсуски, таассуфки, эсизгина; дариго; 2 *безл. в знач. сказ.* алам қилди (қилади), ранжишди; **Доса́дно мне ста́ло, что не удало́сь догна́ть зве́ря** (Арсе́ньев) Ҳайвонни қувлаб ета олмаганим менга алам қилди.

ДОСА́ДН/ЫЙ, -ая, -ое; -ден, -дна кишига ранж етказадиган, алам қиладиган, кишини ранжитадиган, ачинтирадиган, афсуслантирадиган, ўкситадиган; ачинарли, ўкинчли; **~ая оши́бка** ачинарли хато; **~ый слу́чай** ачинарли ҳол.

ДОСА́ДОВАТЬ *несов.* (*сов.* **полоса́довать**) *на кого-что* ранжимоқ, хафа бўлмоқ, ўпка қилмоқ; **~ на свою́ судьбу́** ўз тақдиридан хафа бўлмоқ.

ДОСА́ЖДАТЬ *несов. см.* **доса́дить** I; **~ про́сьбами** илтимослар билан хафа қилмоқ.

ДОСА́ЖИВАТЬ *несов. см.* **доса́дить** II.

ДОСА́ЛИВАТЬ *несов. см.* **досоли́ть.**

ДОСЕВА́ТЬ *несов. см.* **досе́ять** 1, 2.

ДОСЕ́ИВАТЬ *несов. см.* **досе́ять** 3.

ДОСЕ́ЛЕ *нареч. уст.* ҳозиргача, шу чоққача.

ДОСЕ́ЯТЬ *сов. что* 1 (*несов.* **досева́ть**) сепиб бўлмоқ, сепиб қўймоқ, охиригача сепиб чиқмоқ; 2 (*несов.* **досева́ть**) яна сепмоқ, яна сепиб чаласини тўлдирмоқ; 3 (*несов.* **досе́ивать**) элаб бўлмоқ, элаб қўймоқ, ҳаммасини элаб тамомламоқ; **~ муку́** унни элаб қўймоқ.

ДОСИ́ДЕТЬ, -ижу́, -иди́шь *сов.* (*несов.* **доси́живать**) охиригача (ёки бирор пайтгача) ўтирмоқ; **~ до конца́ спекта́кля** спектакль охиригача (тамом бўлгунча) ўтирмоқ.

ДОСИ́ЖИВАТЬ *несов. см.* **досиде́ть.**

ДОСИ́НЯ *нареч.* кўкаргунча, кўкариб кетгунча; **накупа́лся ~** кўкариб кетгунча чўмилибди; чўмилавериб кўкариб кетибди.

ДОСК/А́ *ж, вин.* **до́ску**, *мн.* **до́ски**, *р.* **досо́к**, *дат.* **доска́м** 1 тахта; **сосно́вая ~а́** қарағай тахта; **полови́е до́ски** пол тахтаси, полбоп тахта; 2 доска, тахта; **кла́ссная ~а́** синф доскаси; **вы́звать к ~е́** доскага чиқармоқ; **вы́йти к ~е́** доскага чиқмоқ; **гри́фельная ~а́** грифель доска, тоштахта; **ша́хматная ~а́** шахмат тахтаси; **распредели́тельная ~а́** *эл.* тақсимот тахтаси; **набо́рная ~а́** *полигр.* ҳарф териш тахтаси, мосламаси; **~а́ почёта** ҳурмат тахтаси; **~а́ для объявле́ний** эълонлар тахтаси, эълонлар осиладиган (ёпиштириладиган) тахта; **мемориа́льная ~а́** мемориал лавҳа, хотира лавҳаси; **кра́сная ~а́** қизил тахта (илғорлар тахтаси); **чёрная ~а́** қора тахта (қолоқлар тахтаси); ✦ **от ~и́ до ~и́** бошидан охиригача; **до гробово́й ~и́** умрбод, умрнинг охиригача, то ўлгунча; **ста́вить на одну́ до́ску** баравар қўймоқ, тенглаштирмоқ.

ДОСКАЗА/ТЬ, -ажу́, -а́жешь *сов.* (*несов.* **доска́зывать**) *что* айтиб бўлмоқ, айтиб охирига етказмоқ, тамом қилмоқ, охиригача айтмоқ; **~ть ска́зку** эртакни охиригача айтмоқ, эртакни айтиб тамом қилмоқ (охирига етказмоқ); **~ть свою́ мысль** ўз фикрини (ганини) тамом айтмоқ, фикрини охирига етказмоқ; **он чего́-то не ~л** у нима(лар)нидир айтмади; у ҳамма ганни айтиб бермади.

ДОСКА́ЗЫВАТЬ *несов. см.* **доказа́ть.**

ДОСКАКА́ТЬ, -ачу́, -а́чешь *сов.* (*несов.* **доска́кивать**) 1 отда (от чоптириб) бирор жойга етмоқ (бормоқ, келмоқ); 2 сакраб-сакраб бирор жойга етмоқ, бормоқ.

ДОСКА́КИВАТЬ *несов. см.* **доскака́ть.**

ДОСКОНА́ЛЬНО *нареч.* муфассал, батафсил, атрофлича, асосли равишда, бутун тафсилоти билан, синчковлик билан, миридан-сиригача, ипидан-игнасигача; **~ изучи́ть вопро́с** масалани муфассал (бутун тафсилоти билан, синчковлик билан) ўрганмоқ; **мне всё ~ изве́стно** менга ҳаммаси (миридан-сиригача, ипидан-игнасигача) маълум; мен ҳаммасидан жуда яхши хабардорман.

ДОСКОНА́ЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое; -лен, -льна муфассал ишланган, атрофлича (батафсил, бутун тафсилоти билан) ўрганилган, текширилган, синчковлик билан амалга оширилган; **~ый разбо́р** муфассал текшириш, атрофлича ўрганиб чиқиш; **~ое иссле́дование** мукаммал тадқиқот.

ДОСЛА́ТЬ, дошлю́, дошлёшь *сов.* (*несов.* **досыла́ть**) *что* 1 қўшимча (колганини, камини, етмаганини ҳам) юбормоқ, яна юбормоқ; 2 *спец.* итариб, жойига етказмоқ (етказиб қўймоқ, жойламоқ); **~ патро́н в патро́нник** патронни патрондонга етказиб қўймоқ.

ДОСЛЕ́ДОВАНИЕ *с по гл.* **досле́довать; верну́ть де́ло на ~** делони қўшимча тергов учун қайтармоқ.

ДОСЛЕ́ДОВАТЬ *сов.* и *несов. что* қўшимча тергов қилмоқ, қўшимча тафтиш ўтказмоқ, яна текширмоқ, қўшимча тергов (тафтиш) ўтказиб ноаниқликларни бартараф қилмоқ.

ДОСЛО́ВНО *нареч.* сўзма-сўз, айнан; **переда́ть** *что-л.* **~** сўзма-сўз (айнан ўзидай қилиб) айтиб бермоқ, оқизмай-томизмай етказмоқ; **перевести́ ~** сўзма-сўз таржима қилмоқ.

ДОСЛО́ВНЫЙ, -ая, -ое сўзма-сўз қилинган, айнан такрорланган, сўзма-сўз, лугавий; **~ перево́д** сўзма-сўз таржима; лугавий таржима.

ДОСЛУ́ЖИВАТЬ *несов. см.* **дослужи́ть.**

ДОСЛУ́ЖИВАТЬСЯ *несов. см.* **дослужи́ться.**

ДОСЛУ́ЖИТЬ *сов.* (*несов.* **досслу́живать**) бирор вақтгача хизмат қилмоқ (ишламоқ); **~ до пе́нсии** пенсиягача хизмат қилмоқ, пенсияга чиққунча (пенсия ёшига етгунча) ишламоқ; **остаётся ~ два ме́сяца** хизмати(м) тугашига икки ой қолди; яна икки ой хизмат қилиши(м) керак.

ДОСЛУ́ЖИТЬСЯ *сов.* (*несов.* **досслу́живаться**) *до чего* хизмат қилиб етмоқ (эришмоқ, сазовор бўлмоқ); -гунча хизмат қилмоқ; **~ до чи́на генера́ла** генерал унвони олгунча хизмат қилмоқ, хизмат қилиб генерал унвонига сазовор бўлмоқ.

ДОСЛУ́ША/ТЬ *сов* (*несов.* **досслу́шивать**) *кого-что* охиригача эшитмоқ (тингламоқ, қулоқ солмоқ); **нет, ~й меня́** йўқ, менга қулоқ сол (гапимни охиригача эшит).

ДОСЛУ́ШИВАТЬ *несов. см.* **досслу́шать.**

ДОСМА́ЛИВАТЬ *несов. см.* **досмоли́ть.**

ДОСМА́ТРИВАТЬ *несов. см.* **досмотре́ть.**

ДОСМОЛИ́ТЬ *сов.* (*несов.* **досма́ливать**) *что* смолалаб бўлмоқ, батамом смолалаб қўймоқ, смолалаб чиқмоқ.

ДОСМО́ТР *м спец.* текшириб (қараб, кўриб) чиқиш, текширув, назорат; **тамо́женный ~** божхона текшируви.

ДОСМОТРЕ́ТЬ *сов.* (*несов.* **досма́тривать**) 1 *что* охиригача (ёки бирор еригача) кўрмоқ, кўриб чиқмоқ; **~ пье́су до конца́** пьесани охиригача кўрмоқ; 2 *спец.* текширувдан ўтказмоқ, текширмоқ, назорат қилмоқ; **~ това́ры на грани́це** молларни чегарада текширувдан ўтказмоқ; 3 кўрмай (сезмай, билмай) қолмоқ, ҳисобга олмай, эътибордан (назардан) четда қолдирмоқ; **не ~** *чего-л.* кўрмай (сезмай) қолмоқ; **чего́ гла́зом не досмо́тришь, то мошно́й допла́тишь** *погов.* кўрмай (сезмай, билмай) қолсанг, ёнингдан тўлайсан.

ДОСМО́ТРЩИК *м* текширувдан ўтказувчи, текширувчи, назоратчи.

ДОСОВЕ́ТСКИЙ, -ая, -ое совет тузуми (давлати, ҳокимияти) юзага келмасдан илгариги, совет тузуми (давлати, ҳокимияти)гача бўлган.

ДОСОЛИ́ТЬ *сов.* (*несов.* **доса́ливать**) *что* 1 тузлаб бўлмоқ, тузлаб қўймоқ, тузини етилтирмоқ; 2 яна (қўшимча) тузламоқ, етмаганини тузлаб қўймоқ.

ДОСОХН/УТЬ -ну, -нешь; -со́х, -ла *сов.* (*несов.* **досыха́ть**) тамом (ёки бирор меъёригача) қуримоқ; **пусть бельё ~ет** кир яхши қурисин.

ДОСПА́ТЬ, -сплю́, -спи́шь *сов.* (*несов.* **досыпа́ть** I) 1 бирор пайтгача ухламоқ; тўйгунча (мириқиб) ухламоқ, уйқуга тўймоқ; 2 *что разг.* бирор вақт ухламоқ, бирор вақтни уйқуда ўтказмоқ; **~ ночь** кечаси билан ухламоқ.

ДОСПЕВА́ТЬ *несов. см.* **доспе́ть.**

ДОСПЕ́ТЬ *сов.* (*несов.* **доспева́ть**) пишиб етилмоқ, яхши пишмоқ.

ДОСПЕ́ХИ *мн.* (*ед.* **доспе́х** *м*) 1 ярог-аслаҳа, қурол-ярог (қадимги аскарларда); **ры́царские ~** рицарлик (рицарларнинг) ярог-аслаҳалари; 2 *разг. шутл.* умуман керак-ярог, кийим-бош ва ҳ. к.; **~ тури́стов** туристларнинг керак-ярог ва кийим-бошлари.

ДОСРО́ЧНО *нареч.* вақтидан (муддатидан) илгари, муддатидан олдин; **вы́полнить план ~** планни муддатидан илгари бажармоқ; **уплати́ть ~ долг** қарзни муддатидан илгари тўламоқ.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ДОСРОЧН/ЫЙ, -ая, -ое белгиланган муддатидан олдин бўлган (бўладиган); муддатидан олдин қилинган (қилинадиган); **~ое выполне́ние пла́на** планни муддатидан олдин бажариш; планнинг муддатидан илгари бажарилиши.

ДОСТАВА́ЛА *м* и *ж прост. неодобр.* йўқни йўндирадиган (йўқни керак тола оладиган) одам, топишга (ундиришга) уста одам.

ДОСТАВА́ТЬ, -стаю́, -стаёшь *несов. см.* **доста́ть.**

ДОСТАВА́ТЬСЯ, -стаю́сь, -стаёшься *несов. см.* **доста́ться.**

ДОСТА́ВИТЬ, -влю, -вишь *сов.* (*несов.* **доставля́ть**) 1 *кого-что* олиб бориб (етказиб) бермоқ, элтиб қўймоқ, элтмоқ; **~ по́чту** почтани (эга-эгасига) етказиб бермоқ; **~ това́ры на́ дом** (харид қилинган ёки буюртирилган) молларни уйга етказиб (элтиб) бермоқ; **~ больно́го домо́й** беморни уйига олиб бориб қўймоқ; 2 *что* бермоқ, етказиб бермоқ, туғдирмоқ, яратмоқ; **~ возмо́жность учи́ться** ўқишга имкон бермоқ (имконият туғдирмоқ); 3 *что* бермоқ, бағишламоқ, етказмоқ; **~ удово́льствие** хурсанд (мамнун) қилмоқ, роҳат (ҳузур) бағишламоқ, маза қилдирмоқ; **~ неприя́тность** хафа қилмоқ, ранжитмоқ.

ДОСТА́ВКА *ж по гл.* **доста́вить** 1; **~а това́ров на́ дом** (харид қилинган ёки буюртирилган) молларни уйга етказиб (элтиб) бериш; **с ~ой на́ дом** уйга элтиб бериш шарти билан; **пла́та за ~у** элтиб (етказиб) берганлик учун олинадиган (ёки тўланадиган) ҳақ.

ДОСТА́ВЛЯТЬ *несов. см.* **доста́вить.**

ДОСТА́ВЩИК *м* элтиб (етказиб) берувчи (ташувчи) ходим; **~ телегра́мм** телеграмма ташувчи (ходим).

ДОСТА́ВЩИЦА *ж см.* **доста́вщик.**

ДОСТАТ/ОК *м, р.* **-тка** 1 фаровон ҳаёт, фаровонлик; **жить в ~ке** фаровон(ликда) яшамоқ; **~ок в до́ме** уйда ҳамма нарса муҳайё (етарли, бадастир); уйда ҳеч нарсадан муҳтожлик йўқ; 2 мўл-кўллик, мўл-кўлчилик, тўкинчилик, серобгарчилик, сероблик; **по́лный ~ок продово́льствия** озиқ-овқатнинг етарлилиги; 3 *мн.* **~ки** *разг.* молдунё, бойлик; даромад; — **Каки́е у нас ~ки, Заха́р Кася́ныч?** (Серафимович) — Бизда бойлик нима қилсин (қаёқда дейсиз), Захар Касьянич?

ДОСТАТО́ЧНО 1 *нареч.* етарли, етарли даражада, старлича; **~ хорошо́** етарли даражада яхши; **~ то́чно** етарлича аниқ; 2 *безл. в знач. сказ.* етарли, кифоя (қилади), етади; **у нас ~ средств** бизда маблағ(лар) етарли, маблағ(лар)имиз етарли (етади); **мне и э́того ~** менга шунинг ўзи ҳам етади (кифоя қилади); **вполне́ ~** бемалол етади; **бо́лее чем ~** етиб ортади, керагидан ортиқ; **~!** етар!, бўлди!; бас!; 3 *безл. в знач. сказ.* етарли, бас, кифоя; **~ взгляну́ть, что́бы...** ...учун, бир назар ташлашнинг ўзи кифоя; ...учун, бир назар ташланса бас (бўлди); **~ сказа́ть, что...** ...дейиш (деб айтиш) кифоя.

ДОСТАТО́ЧНОСТЬ *ж* 1 етарлилик; **~ основа́ний** асосларнинг (далилларнинг) етарлилиги; 2 *уст.* бойлик, тўқлик.

ДОСТАТО́ЧНЫ/Й, -ая, -ое; -чен, -чна 1 етарли, етадиган, кифоя қиладиган; **~е сре́дства** етарли маблағ; **~й срок** етарли муддат; **~е основа́ния** етарли асослар; 2 *уст.* ўзига тўқ, бой, бадавлат.

ДОСТА́ТЬ, -а́ну, -а́нешь *сов.* (*несов.* **доставля́ть**) 1 *что* бирор ердаги нарсани олмоқ; **~ кни́гу с по́лки** токчадан (токчадаги) китобни олмоқ; **~ плато́к из карма́на** чўнтакдан дастрўмол(ини) олмоқ; 2 *до чего* и *чего* бўйи (қўли) етмоқ, қўлини етказмоқ; **~ руко́й до потолка́** қўлини шифтга етказмоқ (тегизмоқ); қўли шифтга етмоқ; 3 *кого-что* қаердандир (қандай қилиб бўлмасин) топмоқ, олмоқ; **~ биле́т в теа́тр** театрга билет топмоқ; 4 *безл. кого-чего разг.* етарли бўлмоқ, етмоқ, кифоя қилмоқ; **сил у нас доста́нет** кучимиз етади, етарли кучимиз бор; ✦ **~ из-под земли́ или ~ со дна морско́го** ернинг тагидан бўлса ҳам топмоқ.

ДОСТА/ТЬСЯ, -а́нусь, -а́нешься *сов.* (*несов.* **доставля́ться**) *кому* 1 тегмоқ, чекига тушмоқ, насиб бўлмоқ, буюрмоқ; **мне ~лось то́лько э́то** менга фақат шу (ниси) тегди, менга теккани (буюргани) шу бўлди; **ему́ ~лась кни́га** унга китоб тегди; **ему́ э́то до́рого ~лось** бу унга қимматга тушди; 2 қолмоқ, тегмоқ (мерос тариқасида ёки тақсимотда); **~ться по насле́дству** мерос бўлиб қолмоқ; **мне ~лось мно́го книг от отца́** отамдан менга кўп китоб қолган (қолди); 3 *разг.* гап (сўкиш, койиш) эшитмоқ; **ему́ ~нется за ша́лости** шўхлиги учун хўп гап эшитади; **ну и ~лось же ему́!** хўп гап эшитди-да!

ДОСТИГА́ТЬ *несов. см.* **дости́чь.**

ДОСТИ́ГНУТЬ *сов. то же, что* **дости́чь.**

ДОСТИЖЕ́НИ/Е *с* 1 *по гл.* **дости́чь** — **достига́ть** 1, 3, 4; **по ~и совершенноле́тия** балоғатга етганда, балоғат ёшига етгач (етгандан кейин); **для ~я свои́х це́лей** ўз мақсадига эришиш учун; 2 ютуқ, муваффақият; **большие́ ~я сове́тской нау́ки и те́хники** совет фани ва техникасининг катта ютуқлари; **спорти́вные ~я** спортдаги муваффақиятлар, спортда эришилган ютуқлар.

ДОСТИЖИ́МЫЙ, -ая, -ое етиб (эришиб, қозониб) бўладиган.

ДОСТИ́ЧЬ, -и́гну, -и́гнешь; -и́г, -гла *сов.* (*несов.* **достига́ть**) *чего* 1 етмоқ, етиб бормоқ (келмоқ), етиб олмоқ; **~ле́са** ўрмонга етмоқ; **~ бе́рега реки́** дарёнинг қирғоғига етиб бормоқ (етиб олмоқ); 2 бормоқ, етмоқ, кўтарилмоқ; ўсиб (бўй чўзиб) баравварлашмоқ; **моро́з дости́г сорока́ гра́дусов** совуқ қирқ даражага етди (кўтарилди); **кустарники дости́гли челове́ческого ро́ста** буталар (ўсиб) одам баравар бўлди; 3 бирор ёшга етмоқ, кирмоқ, -гача яшамоқ, эришмоқ; **~ глубо́кой ста́рости** қартайгунча яшамоқ, қариб-чуриб юрмоқ, ёшини яшаб, ошини ошамоқ; **~ соверше́нноле́тия** балоғатга етмоқ (эришмоқ); 4 эришмоқ, муваффақ бўлмоқ, қозонмоқ; **~ успе́ха** муваффақиятга эришмоқ, муваффақият қозонмоқ; **~ соверше́нства** камолотга эришмоқ; **успока́иваться на дости́гнутом** эришилган муваффақият(лар) билан хотиржам бўлмоқ.

ДОСТОВЕ́РНО *нареч.* ҳеч шубҳасиз, аниқ; **~ знать, что...** ...лигини (эканлигини) аниқ билмоқ; **~ изве́стно, что...** аниқ маълумки...

ДОСТОВЕ́РНОСТЬ *ж* шубҳасиз тўғрилик, аниқлик, ишончлилик.

ДОСТОВЕ́РНЫ/Й, -ая, -ос; -рен, -рна шубҳасиз тўғри, аниқ; ишончли, ишобатли, чин, ҳақиқий; мўътабар; **~е све́дения** ишончли маълумотлар; **из ~х исто́чников изве́стно, что...** мўътабар манбалардан олинган маълумотларга кўра маълумки...

ДОСТО́ИНСТВ/О *с* 1 қадр-қиммат, эътибор, обрў; **челове́ческое ~о** инсон қадр-қиммати, инсоний қадр-қиммат; **чу́вство со́бственного ~а** ўз қадрини билиш; **держа́ться с ~ом** обрў сақламоқ, обрўйида турмоқ; ўз қадрига (мавқеига, обрўсига) муносиб иш тутиш; **говори́ть с ~ом** ўз обрўйида туриб (виқор билан) гапирмоқ, ўз мавқеига (обрўйига) муносиб гап қилмоқ; **счита́ть ни́же своего́ ~а** ўзига (ўз номига, шаънига) номуносиб деб билмоқ, ўзига эп (эриш) кўрмаслик; 2 фазилат, яхши хислат, афзаллик, устунлик, ортиқлик, яхши томон; **~о перево́да** таржиманинг афзаллиги (яхши томони); **~а кни́ги** китобнинг фазилатлари; 3 қиммат, баҳо; **облига́ция ~ом в 25 рубле́й** 25 сўмлик облигация; 4 *уст.* унвон, даража, рутба; **гра́фское ~о** графлик унвони; ✦ **оценя́ть по ~у** *кого-что* қадр-қимматига яраша баҳоламоқ, тегишлича қадрламоқ, қадрига етмоқ.

ДОСТО́ЙНО *нареч.* муносиб равишда, мупосиб, тегишлича; -га яраша; **~ отме́тить** муносиб равишда нишонламоқ; **~ наказа́ть** қилмишига яраша жазоламоқ.

ДОСТО́ЙН/ЫЙ, -ая, -ое; -о́ин, -о́йна 1 арзирли, арзийдиган, лойиқ, муносиб, сазовор; **~ый похвалы́** мақташга арзирли, мақтаса арзийдиган, мақтовга сазовор (лойиқ); **~ый внима́ния** диққатга сазовор, эътибор берса (берилса) арзийдиган; 2 адолатли, ўринли, тўғри; **~ая награ́да** ўринли мукофот; 3 *уст.* ҳурматли, иззатли, ҳурматга сазовор; **~ый челове́к** ҳурматли одам.

ДОСТОПА́МЯТНЫЙ, -ая, -ое; -тен, -тна *уст.* эсдан чиқмайдиган, хотирада сақланадиган, унутилмас; **~ слу́чай** унутилмас воқеа.

ДОСТОПОЧТЕ́ННЫЙ, -ая, -ое; -нен, -нна *уст.-и ирон.* катта ҳурматга сазовор бўлган, иззат-ҳурматли.

ДОСТОПРИМЕЧА́ТЕЛЬНОСТ/Ь *ж* диққатга сазовор нарса, жой; **~и го́рода** шаҳарнинг диққатга сазовор жойлари (ёдгорликлари ва ҳ. к.).

www.ziyouz.com kutubxonasi

ДОСТОПРИМЕЧАТЕЛЬНЫЙ, **-ая**, **-ое**; **-лен**, **-льна** *уст.* диққатга сазовор (лойиқ); ~ **слу́чай** диққатга сазовор воқеа.

ДОСТОЧТИ́МЫЙ, **-ая**, **-ое** *уст.* ҳурматли, кўп ҳурматли, муҳтарам (асосан мурожаатда ишлатилади).

ДОСТОЯНИ/Е *с* бойлик, мулк; **наро́дное** ~**е** халқ бойлиги (мулки); **обще́ственное** ~**е** ижтимоий мулк, жамият мулки; **сде́лать нау́ку** ~**ем масс** (*л. м.* фанни омма бойлигига айлантирмоқ) фандан оммани баҳраманд қилмоқ.

ДОСТРА́ИВАТЬ *несов. см.* **достро́ить.**

ДОСТРА́ИВАТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **достро́иться**; 2 *страд. от* **достра́ивать.**

ДОСТРО́ИТЬ *сов.* (*несов.* **достра́ивать**) *что* қуриб бўлмоқ, қуриб битказмоқ; ~ **шко́лу** мактабни қуриб битказмоқ.

ДОСТРО́ИТЬСЯ *сов.* (*несов.* **достра́иваться**) қурилиб бўлмоқ, битмоқ.

ДОСТУКА/ТЬСЯ *сов. прост.* охири бирор фалокатга йўлиқмоқ, жазосини торгмоқ, тавбасига таянмоқ; **ага́, ~лся!** ҳорма энди, тавбангга таяндингми!

ДОСТУ́П *м* 1 киradиган жой, кириш йўли, йўл; ~**к кре́пости** қалъага кириш йўли; ~**а нет** кириб (бориб, ўтиб ёки йўлаб) бўлмайди, йўл йўқ; 2 кириш (ёки фойдаланиш) ҳуқуқи, кириш (ёки фойдаланиш) учун ижозат, рухсат; кира (фойдалана) олиш; **свобо́дный** ~ бемалол кириши мумкин, ҳаммага йўл очиқ; **име́ть** ~ **к архи́вным докуме́нтам** архивга кириш (архив материалларидан фойдаланиш) ҳуқуқига эга бўлмоқ.

ДОСТУПН/ЫЙ, **-ая**, **-ое**; **-пен**, **-пна** 1 кириш (бориш, ўтиш) мумкин бўлган, йўлаб (бориб, чиқиб) бўладиган; **очи́к**; **тропа́**, ~**ая то́лько для пешехо́дов** фақат пиёдалар ўта (юра) оладиган сўқмоқ; 2 ҳамманинг қўлидан келадиган, ҳаммабоп, ...-са бўладиган; **теа́тры** ~**ы для всех** театрга ҳамма бора олади; ~**ые це́ны** олса бўладиган баҳолар, арзон баҳолар; ҳамён кўтарадиган нархлар; 3 тушуниш учун осон, тушунарли, енгил; ~**ое изложе́ние** тушунилиши осон баён, енгил баён; 4 барчага баравар, оддий, содда, камсуқум, одми; ~**ый челове́к** камсуқум одам.

ДОСТУЧА/ТЬСЯ *сов.* эшик қоқаверіб зўрга эшиттирмоқ, аранг жавоб олмоқ; **наконе́ц-то я** ~**лся** эшик қоқаверіб аранг эшиттирдим (эшиттирибман-а).

ДОСУ́Г *м* 1 бўш (бекор) вақт, ишдан холи вақт; **располага́ть** ~**ом** бўш вақтга эга бўлмоқ, бекор вақти (бор) бўлмоқ; **на** ~**е** бўш (ишдан холи) вақтда, бекорчиликда; **в часы́** ~**а** бўш (ишдан холи) пайтларда, бекор вақтларда; 2 *в знач. сказ. кому разг.* вақти бор, қўли тегади; **весели́тся, когда́** ~ бўш (бекор) вақтлари бўлса, хурсандчилик қиладилар.

ДОСУ́Ж/ИЙ, **-ая**, **-ее** *разг.* 1 бўш, бекор, ишдан холи; ~**ее вре́мя** бўш (бекор) вақт; ~**ий челове́к** бекор одам; 2 бекорчилик орқасида юзага келган (келадиган), бекорчи, бекораки, беҳуда, бўлмағур; ~**ие разгово́ры** беҳуда гаплар; ~**ие мы́сли** бўлмағур фикрлар.

ДОСУХА *нареч.* қуп-қуруқ қилиб, яхши (қоқ) қуригунча; **вы́тереть ру́ки** ~ қўлни қуп-қуруқ қилиб артмоқ.

ДОСЧИТА́ТЬ *сов.* (*несов.* **досчи́тывать**) 1 *что* батамом санаб бўлмоқ, санаб қўймоқ, санаб чиқмоқ; ~ **гото́вые дета́ли** тайёр деталларни батамом санаб қўймоқ; 2 *до чего* бирор миқдоргача санамоқ, санаб бормоқ; ~ **до ста** юзгача санамоқ, юзгача санаб бормоқ.

ДОСЧИ́ТА/ТЬСЯ *сов.* (*несов.* **досчи́тываться**) *кого-чего* санаб, ҳисоблаб камини (етмаганини, йўқолганини) аниқламоқ; **не** ~**лись двух челове́к** санасак, икки киши етмайди (икки киши кам).

ДОСЧИ́ТЫВАТЬ *несов. см.* **досчита́ть.**

ДОСЧИ́ТЫВАТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **досчита́ться**; 2 *страд. от* **досчи́тывать.**

ДОСЫЛА́ТЬ *несов. см.* **досла́ть.**

ДОСЫЛКА *ж по гл.* **досла́ть** и **досыла́ть.**

ДОСЫПАТЬ, **-плю**, **-плешь** *сов.* (*несов.* **досыпа́ть** II) *что, чего* яна солиб тўлдирмоқ (ёки бирор жойнга етказмоқ); яна солмоқ; ~ **муки́ в мешо́к** қопга ундан яна солмоқ, ундан яна солиб қопни тўлдирмоқ.

ДОСЫПАТЬ I *несов. см* **доспа́ть.**

ДОСЫПА́ТЬ II *несов. см.* **досы́пать.**

ДОСЫТА и ДОСЫТА *нареч.* тўйгунча, тўйиб, мириқиб, қониқиб; қониқтириб, тўйдириб; **накорми́ть дете́й** ~ болаларни тўйдириб овқатлантирмоқ; **нае́сться** ~ тўйиб (мириқиб) овқатланмоқ; **наговори́ться** ~ тўйиб (мириқиб) гаплашмоқ.

ДОСЫХА́ТЬ *несов. см* **досо́хнуть.**

ДОСЬЕ́ *с нескл. спец.* бирор иш, масала ёки шахсга доир ҳужжатлар тўплами, шахсий дело.

ДО́СЮДА *нареч. разг.* шу (мана шу) ергача, бу ергача; **дойти́** ~ шу ергача келмоқ.

ДОСЯГАЕМОСТ/Ь *ж:* **в преде́лах** (или **вне преде́лов**) ~**и** *книжн.* эришиб, етиб бўладиган жойда; **бой шли вне преде́лов** ~**и батаре́и** жанглар батарея ўқи етмайдиган жойда борар эди.

ДОСЯГАЕМ/ЫЙ, **-ая**, **-ое** *книжн.* эришиб (етиб, бориб) бўладиган; етиши мумкин бўлган; **на** ~**ом для обстре́ла расстоя́нии** ўққа тутса бўладиган масофада.

ДОТ *м* (долговре́менная огнева́я то́чка) дот (узоқ муддатга мўлжаллаб қурилган ўт очиш нуқтаси).

ДОТАСКИВАТЬ *несов. см.* **дотащи́ть.**

ДОТАЦИО́ННЫЙ, **-ая**, **-ое** дотация тариқасида берилган (бериладиган); дотацияга...

ДОТА́ЦИЯ *ж* дотация (харажатларни қоплай олмайдиган корхона, муассаса ва ш. к. га давлат томонидан бериладиган ёрдам пули).

ДОТАЩИ́ТЬ, **-ащу́**, **-а́щишь** *сов.* (*несов.* **дотаски́вать**) *кого-что* кўтариб (ёки судраб) бирор ергача олиб бормоқ, етказмоқ.

ДОТАЩИ́ТЬСЯ, **-ащу́сь**, **-а́щишься** *сов. разг.* аранг юриб бормоқ, судралиб бирор ергача бормоқ (етмоқ, етиб олмоқ).

ДОТЕКА́ТЬ *несов. см.* **дотеч́ь.**

ДОТЕМНА *нареч.* қоронғи тушгунча (босгунча), қоронғигача; **игра́ть** ~ қоронғигача ўйнамоқ.

ДОТЕ́ЧЬ, **-еку́**, **-ечёшь**; **-тёк**, **-текла́** *сов.* (*несов.* **дотека́ть**) оқиб бормоқ, оқиб бориб бирор ерга етмоқ.

ДОТЛА *нареч.* батамом, бутунлай, таг-туги билан; **сгоре́ть** ~ батамом ёниб тушмоқ, ёниб кул бўлмоқ; **сжечь** ~ таг-туги билан ёндириб юбормоқ, кулини кўкка совурмоқ.

ДОТО́ЛЕ *нареч. уст.* ўша вақтгача, ўша пайтгача.

ДОТОШНОСТЬ *ж* миридан-сиригача билишга интилиш, тагига етмагунча қўймаслик, ёпишқоқлик, синчковлик.

ДОТО́ШНЫЙ, **-ая**, **-ое**; **-шен**, **-шна** *разг.* миридан-сиригача билишга интиладиган, тагига етмагунча қўймайдиган, ёпишқоқ, синчков; ~ **челове́к** синчков одам.

ДОТРА́ГИВАТЬСЯ *несов. см.* **дотро́нуться.**

ДОТРО́НУТЬСЯ *сов.* (*несов.* **дотра́гиваться**) *до кого-чего* қўл тегизмоқ, қўл урмоқ, тегмоқ.

ДОТУ́ДА *нареч. прост.* у (ўша) ергача, у (ўша) жойгача.

ДОТЯ́ГИВАТЬ *несов. см.* **дотяну́ть.**

ДОТЯ́ГИВАТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **дотяну́ться**; 2 *страд. от* **дотя́гивать.**

ДОТЯНУ́/ТЬ, **-яну́**, **-я́нешь** *сов.* (*несов.* **дотя́гивать**) 1 *что* (бирор ергача) чўзиб (тортиб ёки ётқизиб) бормоқ; ~**ть верёвку до столба́** устунгача арқон тортмоқ; 2 *кого-что до чего* кўтариб (итариб ёки судраб) бирор жойга етказмоқ, бирор ергача кўтариб (итариб, тортиб ёки судраб) бормоқ; ~**ть бревно́ до бе́рега** ходани қирғоққача тортиб бормоқ; 3 *что* и *без доп.* аранг етмоқ, етиб бормоқ, етиб олмоқ; **подби́тый самолёт едва́** ~**л до аэродро́ма** шикастланган самолёт аранг аэродромга етиб борди (етиб олди); 4 *что до чего разг.* судрамоқ, сургамоқ, чўзмоқ; ~**ть рабо́ту** (или **с рабо́той**) **до ве́чера** ишни кечгача чўзмоқ (кечгача олиб бормоқ); 5 *разг.* бирор вақтгача бормоқ, яшамоқ; **больно́й** ~**л до весны́** бемор баҳоргача яшади (қишдан чиқиб олди); 6 *до чего разг.* амал-тақал қилиб етказмоқ, етиб олмоқ; ~**ть до зарпла́ты** маошгача етказмоқ, маошга етиб олмоқ.

ДОТЯНУ́/ТЬСЯ, **-яну́сь**, **-я́нешься** *сов.* (*несов.* **дотя́гиваться**) 1 чўзиб қўлини етказмоқ, қўли (бўйи) етмоқ; **е́ле** ~**лся до потолка́** қўли (бўйи) аранг шипга етди; 2 чўзилмоқ, чўзилиб бормоқ, етмоқ; **Вре́мя ме́жду тем тяну́-**

www.ziyouz.com kutubxonasi

лось и, наконе́ц, ~лось до 9-го сентября́ (И. Гончаров) Вақт эса, секин-аста ўтиб борарди ва ниҳоят, 9 сентябрь ҳам етиб келди; 3 *разг.* секин-секин бориб етмоқ, аранг етиб бормоқ (етиб келмоқ); **обо́з ~лся до дере́вни** обоз (карвон) аранг қишлоққа етиб олди (келди).

ДОУЧИВАТЬ *несов. см.* **доучи́ть.**

ДОУЧИВАТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **доучи́ться;** 2 *страд. от* **доу́чивать.**

ДОУЧИ́ТЬ *сов.* (*несов.* **доу́чивать**) 1 *кого* ўқитиб (ёки ўргатиб) бўлмоқ, охиригача ўқитмоқ (ўргатмоқ); 2 ўқиб (ёки ўрганиб, ёдлаб) бўлмоқ, охиригача ўқимоқ (ёки ўрганмоқ, ёдламоқ); ~ **парагра́ф** параграфни ўқиб (ўрганиб) бўлмоқ.

ДОУЧИ/ТЬСЯ *сов.* (*несов.* **доу́чиваться**) 1 ўқишни охиригача етказмоқ, тамом қилмоқ; 2 маълум вақтгача ўқимоқ; **он ~лся до восьмо́го кла́сса** у саккизинчи синфгача ўқиди (ўқиган).

ДОФЕОДА́ЛЬНЫЙ, -ая, -ое феодализмдан (феодализм давридан) илгариги, феодализмгача бўлган.

ДОФИ́Н *м* шаҳзода (1830 йилдан илгариги Францияда).

ДОХА́ *ж, мн.* **до́хи** доха (авра-астари мўйна пўстин).

ДОХА́ЖИВА/ТЬ *несов.* 1 *см.* **доходи́ть** II; 2 охирги кунлари ўтказмоқ (ҳомиладор аёллар ҳақида); **она́ ~ла после́дний ме́сяц** у охирги ойини ўтказмоқда эди.

ДОХЛЫЙ, -ая, -ое 1 ўлган, ўлик; **~ая ко́шка** ўлган (ўлик) мушук; 2 *перен. прост. пренебр.* жуда ориқ, эти суягига ёпишган, қуруқ суяк, силласи қуриган, қилтириқ.

ДОХЛЯ́К *м, р.* **-а́** *прост. пренебр.* жуда ориқ, нимжон одам, рамақижон.

ДОХЛЯ́ТИНА *прост.* 1 *ж* ўлган мол (ҳайвон) гўшти, ўлакса; 2 *перен. м* и *ж шутл.* и *пренебр. то же, что* **дохля́к.**

ДОХНУ/ТЬ, -нет; дох и **до́хнул, до́хла** *несов.* (*сов.* **издо́хнуть, подо́хнуть, сдо́хнуть**) ўлмоқ, қирилмоқ, харом ўлмоқ, харом қотмоқ; ✦ **му́хи ~т** *разг.* (*л. м.* пашшалар ҳам ўлади) юрак тарс ёрилай дейди (жуда ҳам зерикарли нарса шароит ва ҳ. к. ҳақида).

ДОХНУ/ТЬ *сов.* 1 нафас олмоқ; **нафас чиқармоқ;** 2 эсмоқ, эса бошламоқ; **~л сла́бый ветеро́к** енгил шабада эса бошлади; ✦ **не сметь** (или **боя́ться**) **~ть** донг қотмоқ, нафаси (дами) ичига тушиб кетмоқ (масалан, қўрқувдан); **~ть не́когда** *разг.* нафас олишга ҳам вақти йўқ, бош қашишга ҳам қўл тегмайди.

ДОХО́Д *м* даромад, кирим, келим; **годово́й ~** йиллик даромад; **национа́льный ~** миллий даромад; **получа́ть ~** даромад олмоқ; **приноси́ть ~** даромад бермоқ (келтирмоқ).

ДОХОДЕ́Ц *м, р.* **-дца** *разг. шутл.* арзимаган даромад.

ДОХОДИ́ТЬ I, -ожу́, -оди́шь *несов. см.* **дойти́;** ✦ **ру́ки не дохо́дят** қўл тегмайди, вақт йўқ.

ДОХОДИ/ТЬ II, -ожу́, -оди́шь *сов.* (*несов.* **дохáживать**) *разг.* вақт-соатига бориб туғмоқ; **она́ не ~ла двух неде́ль у** вақтидан (ой-кунидан) икки ҳафта олдин туғди.

ДОХО́ДНОСТЬ *ж* даромад келтириш, даромадлилик, сердаромадлик.

ДОХО́ДН/ЫЙ, -ая, -ое; -ден, -дна даромад берадиган, даромад келтирадиган, даромадли, сердаромад; даромад...; **~ое предприя́тие** даромад келтирадиган корхона; **~ая часть бюдже́та** бюджетнинг даромад қисми; **~ое ме́сто** сердаромад жой, ёғли жой.

ДОХО́ДЧИВО *нареч.* тушунарли равишда, тушунилиши осон қилиб, равон; ~ **изложи́ть** тушунарли баён қилмоқ.

ДОХО́ДЧИВОСТЬ *ж* тушунилиши осонлик, тушунарлилик.

ДОХО́ДЧИВ/ЫЙ, -ая, -ое тушунилиши осон, тушунарли, ҳаммабоп; **~ая пье́са** тушунарли пьеса.

ДОХО́ДЯГА *м* и *ж прост.* судралиб қолган одам, ҳолдан тойган (силласи қуриган) одам.

ДОЦЕ́НТ *м* доцент.

ДОЦЕ́НТСК/ИЙ, -ая, -ое доцентга оид; доцент...; доцентлик...; **~ое зва́ние** доцентлик унвони.

ДОЦЕ́НТУРА *ж* 1 доцентлик унвони; 2 *собир.* доцентлар.

ДОЧЕ́НЬКА *ж, р. мн.* **-нек** 1 *ласк. от* **дочь** қизи(м), қизалоғи(м); қизгинам; 2 қизим (мурожаат формаси).

До́ЧЕРИН, -а, -о қизи(м)га тегишли, қизи(м)ники; қизи(м)нинг; **~о пальто́** қизи(м)нинг пальтоси.

До́ЧЕРНА *нареч.* қон-қора қилиб, қорайгунча.

До́ЧЕРН/ИЙ, -яя, -ее 1 қиз (фарзанд)га оид, қарашли; қиз (фарзанд)ларга хос бўлган; **~ие чу́вства** қиз (фарзанд)ларга хос меҳр-муҳаббат; 2 *спец.* тармоқланиб чиққан, тармоқланиш натижасида ҳосил бўлган, шуъба; **~ее предприя́тие** шуъба корхона; **~ие сте́бли** пархиш қилинган новдалар, пархишлаб кўкартирилган новдалар.

ДОЧЕРТИ́ТЬ, -ерчу́, -е́ртишь *сов.* (*несов.* **дочерчивать**) *что* чизиб бўлмоқ, чизиб қўймоқ; ~ **план до́ма** уй планини чизиб қўймоқ (битирмоқ, қўлдан чиқармоқ).

До́ЧЕРЧИВАТЬ *несов. см.* **дочерти́ть.**

До́ЧИСТА *нареч.* 1 топ-тоза қилиб; топ-тоза бўлиб; топ-тоза; **вы́мыть ~** топ-тоза қилиб ювмоқ; 2 *перен. разг.* батамом, ҳеч нарса қолдирмай, шин-шийдам қилиб; **обобра́ть ~** ҳеч нарсасини қолдирмай шилмоқ.

ДОЧИ́СТИТЬ, -и́щу, -и́стишь *сов.* (*несов.* **дочища́ть**) *что* тозалаб бўлмоқ, тозалаб қўймоқ.

ДОЧИТА́ТЬ *сов.* (*несов.* **дочи́тывать**) *что* 1 ўқиб бўлмоқ, ўқиб қўймоқ, охиригача ўқиб тамом қилмоқ; туширмоқ; ~ **кни́гу** китобни охиригача ўқимоқ (ўқиб тамом қилмоқ; 2 бирор еригача ўқимоқ (ўқиб бормоқ); ~ **кни́гу до середи́ны** китобни ярмигача ўқимоқ.

ДОЧИТА́ТЬСЯ *сов.* (*несов.* **дочи́тываться**) *разг.* ўқиб-ўқиб чарчамоқ (ёки бирор ҳолатга етмоқ); ~ **до головно́й бо́ли** ўқийверіб боши оғриб қолмоқ.

ДОЧИ́ТЫВА/ТЬ *несов. см.* **дочита́ть;** он ~ет после́днюю главу́ кни́ги у китобнинг охирги бобини ўқиб тамомламоқда.

ДОЧИ́ТЫВАТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **дочита́ться;** 2 *страд. от* **дочи́тывать.**

ДОЧИЩА́ТЬ *несов. см.* **дочи́стить.**

До́ЧКА *ж, р. мн.* **-чек** *разг.* 1 *то же, что* **дочь** қизим, қизгинам, қизалоғим; 2 қизим (мурожаат формаси).

ДОЧУ́РКА *ж, р. мн.* **-рок** *уменьш. -ласк. от* **дочь.**

ДОЧЬ *ж, р.* и *дат.* **до́чери,** *твор.* **до́черью,** *мн.* **до́чери,** *р.* **-ре́й,** *дат.* **-ря́м,** *твор.* **-рьми́,** *предл. о* **-ря́х** 1 қиз (фарзанд); ~ **учи́теля** ўқитувчининг қизи; **моя́** ~ менинг қизим; 2 *чего высок.* қиз, фарзанд; **ве́рные до́чери сове́тского наро́да** совет халқининг содиқ қизлари; ~ **гор** тоғ қизи; ✦ ~ **Е́вы** *книжн. шутл.* дахли бўлса-бўлмаса қизиқсинаверадиган (ҳар нарсани суриштираверадиган) хотин.

ДОШИВАТЬ *несов. см.* **доши́ть.**

ДОШИ́ТЬ, -шью, -шьёшь *сов.* (*несов.* **дошива́ть**) *что* 1 тикиб бўлмоқ, тикиб қўймоқ, тикиб тамом қилмоқ, битирмоқ; 2 бирор еригача тикмоқ (тикиб бормоқ).

До́ШКА *ж разг. то же, что* **доска́.**

ДОШКО́ЛЬНИК *м* 1 мактабгача ёшдаги бола; 2 *разг.* мактабгача ёшдаги болалар тарбияси билан шуғулланувчи педагог.

ДОШКО́ЛЬНИЦА *ж см.* **дошко́льник.**

ДОШКО́ЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое мактаб ёшигача бўлган (бўладиган); мактаб ёшига етмаган болалар тарбияси билан шуғулланувчи, мактабгача; **де́ти ~ого во́зраста** мактаб ёшига етмаган болалар; **~ое воспита́ние** мактабгача тарбия; **~ые учрежде́ния** мактабгача тарбия муассасалари.

ДОШКОЛЯ́ТА *мн. разг.* мактаб ёшига етмаган болалар.

До́ШЛЫЙ, -ая, -ое *разг.* кўпга ақли етадиган, билгич, биладиган, билармон; ўмбир, қув; **~па́рень** ўмбир бола.

ДОЩА́НИК *м* ясси дарё кемаси.

ДОЩА́Т/ЫЙ, -ая, -ое тахтадан қилинган; **тахта...; ~ый пол** тахта пол; **~ая перегоро́дка** тахта девор (тўсиқ).

ДОЩЕ́ЧКА *ж, р. мн.* **-чек** 1 кичкина, юпқа тахта; 2 *собир.* заготовка, чўп (қалам ишлаб чиқариш саноатида); **кедро́вая ~** кедр заготовка.

ДОЯР *м* сут согувчи, сигир согувчи (эркак).

ДОЯ́РКА *ж, р. мн.* **-рок** сут согувчи, сигир согувчи (аёл).

ДРАВИ́Д *м* дравид; *см.* **драви́ды.**

ДРАВИДИЙСКИ/Й, -ая, -ое дравидларга оид; **дравид(лар)...; ~е языки́** дравид тиллари

www.ziyouz.com kutubxonasi

ДРАВИ́ДСКИЙ, -ая, -ое дравидларга оид; дравид(лар)...

ДРАВИ́ДЫ *мн.* (*ед.* **дравид** *м*) дравидлар (Ҳиндистоннинг жанубида яшовчи тили ва маданияти бир-бирига яқин халқлар группаси).

ДРАГА *ж тех.* драга (1 сув остидан олтин, кумуш каби металларга бой жинсларни оладиган, шунингдек сув остини ковлайдиган машина; 2 текшириш учун сув ости ўсимлик ва жониворларини олиб чиқадиган асбоб).

ДРАГИРОВАТЬ *сов.* и *несов. что спец.* драгаламоқ (1 драга ёрдамида сув остидан фойдали қазилма олмоқ ёки сув остини чуқурлатмоқ; 2 драга ёрдамида сув ости ўсимлик ва жониворларини олиб чиқмоқ).

ДРАГОМА́Н *м* тилмоч, таржимон (Шарқ мамлакатларидаги Европа элчихоналарида).

ДРАГОЦЕ́ННОСТЬ *ж* 1 қимматбаҳо зийнат буюми, жавоҳирот; 2 жуда қимматли (азиз, бебаҳо) нарса.

ДРАГОЦЕ́ННЫЙ, -ая, -ое; -е́нен, -е́нна 1 қимматбаҳо, қимматли; **~ые ка́мни** қимматбаҳо тошлар; 2 *перен.* жуда қимматли, азиз, бебаҳо; **~ое вре́мя** қимматли вақт; **~ые све́дения** қимматли маълумотлар; 3 *перен.* қимматли, азиз, қадрдон; **мой ~ый друг!** қадрдон дўстим!; **~ая моя́!** азизим!, азизам!

ДРАГУ́Н *м, р. мн.* **-гу́н** и **-гу́нов** драгун (чор армиясида ва баъзи чет эл армияларида: ҳам отда, ҳам пиёда ҳаракат қила олган отлиқ аскар); **эскадро́н ~** драгунлар эскадрони.

ДРАГУ́НСКИЙ, -ая, -ое драгунларга оид; драгунлар...; **~ полк** драгунлар полки.

ДРАЖАЙШ/ИЙ, -ая, -ее *уст.* и *ирон.* қимматли, азиз, севикли; ✦ **~ая полови́на** *разг. шутл.* эр ёки хотин ҳақида; **его́ ~ая полови́на** унинг рафиқаси.

ДРАЖЕ́ *с нескл.* драже (майда думалоқ обаки); **~ в шокола́де** шоколадга ўралган (белангган) драже; **витами́нное ~** витаминли драже.

ДРАЖНЫ/Й, -ая, -ое *прил. от* **дра́га** драга ёрдамида қилинадиган; драга...; драгалаш...; **~е рабо́ты** драга(лаш) ишлари.

ДРАЗНИ́ТЬ, дразню́, дра́знишь *несов.* 1 *кого* тегажаклик қилмоқ, жиғига тегмоқ, аччиғини (ғашини) келтирмоқ; 2 *кого* тегишмоқ, ҳазил-мазах қилмоқ; 3 *что* ҳавасини келтирмоқ, кўзини ўйнатмоқ, кўзғатмоқ; **~ аппети́т** *чем-л.* иштаҳасини кўзғатмоқ (оғзининг сувини) келтирмоқ.

ДРАЗНИ́ТЬСЯ, дразню́сь, дра́знишься *сов. разг. то же, что* **дразни́ть** 1.

ДРА́ИТЬ *несов.* (*сов.* **надра́ить**) *что мор.* 1 тозаламоқ, тозалаб йилтиратмоқ; **~ па́лубу корабля́** кема палубасини тозаламоқ (тозалаб йилтиратмоқ); 2 *уст.* тортмоқ, таранглamoқ; **~ кана́т** арқонни (канатни) тортмоқ.

ДРА́К/А *ж* муштлашиш, ёқалашиш, уришиш; **зате́ять ~у** уриш бошламоқ, уриш-жанжал чиқармоқ; **лезть в ~у** муштлашиб кетмоқ; **по́сле ~и кулака́ми не ма́шут** *посл.* (*л. м.* ёқалашиб бўлгандан кейин мушт кўрсатмайдилар) вақт ўтгандан кейин чиранишнинг ҳожати йўқ.

ДРАКО́Н *м* 1 *миф.* аждаҳо, аждар; 2 *перен.* шафқатсиз одам, ёвуз; 3 *зоол.* дракон (қанотли калтакесак); 4 *астр.* Аждар (юлдузлар туркумидан бири).

ДРАКО́НОВСКИЙ, -ая, -ое *книжн.* жуда қаттиқ, шафқатсиз, ёвуз; **~е ме́ры** жуда қаттиқ (шафқатсиз) чоралар; **~й зако́н** жуда қаттиқ қонун.

ДРА́М/А *ж* 1 драма; **музыка́льная ~а** музикали драма; 2 *перен.* оғир бахтсизлик, кулфат, фожиа, можаро; **семе́йная ~а** оилавий можаро; **пережи́ть ~у** оғир кулфат кечирмоқ.

ДРАМАТИЗА́ЦИЯ *ж* драматизация, драмалаштириш, драма шаклига келтириш.

ДРАМАТИЗИ́РОВАТЬ *сов.* и *несов. что* 1 драмалаштирмоқ, драма шаклига келтирмоқ; **~ по́весть** повестни драмалаштирмоқ; 2 драматик ҳолатни (драматизмни) кучайтирмоқ, кучайтириб кўрсатмоқ.

ДРАМАТИ́ЗМ *м* 1 драматизм, драмага хос жиддийлик, танглик, драматик ҳолат (вазият); **~ сюже́та** сюжетдаги драматизм, сюжетдаги драматик ҳолатлар; **по́лная ~а** драматизмга бой пьеса; 2 *перен.* нозик (танг) аҳвол, мушкуллик, танглик; **~ положе́ния** аҳволнинг мушкуллиги.

ДРАМАТИ́ЧЕСКИ/Й, -ая, -ое 1 драмага оид; драматик, драма...; **~й теа́тр** драматик театр, драма театри; **~й акте́р** драматик актёр; 2 кучли таассурот қолдирадиган, дабдабали; **~е же́сты** дабдабали имо-ишоралар; 3 оғир, мушкул, жиддий, фожиали; **~й исхо́д** фожиали тугалланиш, оғир оқибат; 4 *муз.* драматик, кучли; **~й те́нор** драматик тенор.

ДРАМАТИ́ЧНОСТЬ *ж* оғирлик, мушкуллик, жиддийлик, фожиалилик.

ДРАМАТИ́ЧНЫЙ, -ая, -ое; -чен, -чна *то же, что* **драмати́ческий** 2, 3.

ДРАМАТУ́РГ *м* драматург, драма ёзувчи адиб.

ДРАМАТУ́РГИЧЕСКИЙ, -ая, -ое драматургга ва драматургияга оид; драматургик, драматургия.

ДРАМАТУ́РГИЯ *ж* 1 драматургия (драматик асарлар ёзиш назарияси ва санъати); 2 *собир.* драматургия, драматик асарлар мажмуи, драмалар; **ру́сская класси́ческая ~** рус классик драматургияси; **сове́тская ~** совет драматургияси.

ДРАМКРУЖО́К *м, р.* **-жка́** (драмати́ческий кружо́к) драма тўгараги.

ДРАНДУЛЕ́Т *м разг. шутл.* сўлоғи ўйнаб кетган арава; шалоқ машина.

ДРА́НКА *ж, р. мн.* **-нок** дранка, юпқа тахтача(лар).

ДРА́Н/ЫЙ, -ая, -ое *разг.* йиртиқ, йиртиқ-сиртиқ, жулдур; **~ое пла́тье** йиртиқ кўйлак, жулдур кийим.

ДРАП I *м* драп, қалин мовут; **~ на пальто́** бир пальтолик драп.

ДРАП II *м прост.* кочиш, жуфтакни ростлаш; **ну и да́ли они́ ~у!** роса жуфтакни ростлаб қолишди; тумтарақай бўлиб кочиб қолишди.

ДРА́ПАТЬ *несов. прост.* кочиб қолмоқ, жуфтакни ростламоқ, тумтарақай бўлмоқ.

ДРАПИРОВА́ТЬ, -ру́ю, -ру́ешь *несов.* (*сов.* **задрапирова́ть**) *кого-что* 1 пардаламоқ, парда тутмоқ, гулдор мато (ёки гилам ва ш. к.) қоқиб безатмоқ; **~ сте́ны ковра́ми** деворларга гилам қоқмоқ; 2 безакдор қилиб ясантирмоқ, ўрамоқ.

ДРАПИРОВА́ТЬСЯ, -ру́юсь, -ру́ешься *несов.* (*сов.* **задрапирова́ться**) 1 бежамдор қилиб ўранмоқ, ўралиб олмоқ, ясанмоқ; 2 *перен.* ниқобланмоқ; 3 *страд. от* **драпирова́ть.**

ДРАПИРО́ВКА *ж, р. мн.* **-вок** 1 *по гл.* **драпирова́ть** и **драпирова́ться**; 2 драпировка (парда, деворга қоқиладиган гулдор мато ва ш. к.).

ДРАПИРО́ВОЧНЫЙ, -ая, -ое драпировка учун белгиланган, драпировкабоп; драпировка...; **~ая ткань** драпировкабоп мато.

ДРАПИРО́ВЩИК *м* драпировкачи.

ДРАПИРО́ВЩИЦА *ж* драпировкачи аёл.

ДРАПО́В/ЫЙ, -ая, -ое драпдан қилинган; драп...; **~ое пальто́** драп пальто.

ДРАПРИ́ *с нескл. то же, что* **драпиро́вка** 2; **суко́нное ~** сукно драпировка.

ДРА́ТВА *ж* мумланган пишиқ ип.

ДРА́ТВЕННЫЙ, -ая, -ое мумланган пишиқ ипга оид.

ДРАТЬ, деру́, дерёшь *несов.* 1 (*сов.* **разодра́ть**) *что разг.* йиртмоқ, бурдаламоқ, парча-парча қилмоқ; **~ бума́гу** қоғоз(ни) парча-парча қилмоқ; **~ о́бувь** оёқ кийимни йиртмоқ (йиртиб қўймоқ); 2 (*сов.* **содра́ть**) *что* шилмоқ, оқламоқ, тозаламоқ, арчмоқ; **~ кору́** пўстлоқни шилмоқ; 3 (*сов.* **вы́драть**) *что прост.* суғурмоқ, олиб ташламоқ; **~ зу́бы** тишларини суғурмоқ; 4 (*сов.* **вы́драть**) *кого-что разг.* калтакламоқ, саваламоқ, урмоқ; чўзмоқ, юлмоқ; **~ за́ уши** қулоғини (қулоғидан) чўзмоқ; **~ за во́лосы** сочини юлмоқ, сочидан тортмоқ; 5 (*сов.* **содра́ть**) *перен. прост.* қиммат сотмоқ, шилмоқ, таламоқ; **~ втри́дорога** уч баравар қиммат сотмоқ; **~ шку́ру** *с кого-л. прям.* и *перен.* терисини шилмоқ, таламоқ; 6 *что разг.* ачитмоқ, ловуллатмоқ, ўртамоқ, юлмоқ; **бри́твa дерёт** устара юлиб ташлаяпти; **горчи́ца дерёт рот** горчица оғизни ачиштириб (ловуллатиб) юборяпти; **суха́я ло́жка рот дерёт** *посл.* қуруқ қошиқ оғиз йиртади; 7 (*сов.* **задра́ть**) *кого-что прост.* ғажиб ташламоқ, ғажимоқ, ўлдирмоқ; **волк дерёт овцу́** бўри қўйларни ўлдириб кетади; ✦ **~ го́рло** (или **гло́тку**) *прост.* бақирмоқ,

www.ziyouz.com kutubxonasi

вағилламоқ, шанғилламоқ; ~ **нос** *прост.* бурнини кўтармоқ, димоғи ошмоқ, кеккаймоқ; **моро́з по ко́же дерёт** совуқ баданни ачитади (ачитяпти).

ДРА́ТЬСЯ, деру́сь, дерёшься *несов.* 1 (*сов.* **подра́ться**) уришмоқ, ёқалашмоқ, муштлашмоқ; 2 *с кем* уриш қилмоқ, жанг қилмоқ, курашмоқ, олишмоқ; ~ **с врагóм** душман билан олишмоқ; ~ **до после́днего патро́на** охирги ўқ қолгунча жанг қилмоқ; ~ **на дуэ́ли** дуэлда яккама-якка олишмоқ; 3 *перен. за что разг.* курашмоқ, кураш олиб бормоқ; ~**за высо́кий урожа́й** юқори хосил учун курашмоқ.

ДРА́ХМА *ж* драхм, драхма (1 Юнонистонда: оғирлик ўлчови бирлиги ҳамда олтин-кумуш пул; Грецияда: пул бирлиги; 2 дорихона ишида (Россияда ва Англияда): оғирлик ўлчови).

ДРА́ЧЛИВОСТЬ *ж* уришқоқлик, жангарилик.

ДРА́ЧЛИВЫЙ, -ая, -ое уришқоқ, жангари; ~ **ма́льчик** уришқоқ бола; ~ **петýх** уришқоқ хўроз.

ДРА́ЧУН *м, р.* **-а́** *разг.* уришқоқ одам, жангари.

ДРА́ЧУНЬЯ *ж, р. мн.* **-ний** уришқоқ аёл, жангари қиз.

ДРЕБЕДЕ́НЬ *ж разг.* 1 икир-чикир гап; бўлмағур (бемаъни) гаплар; пуч гаплар; 2 *собир.* арзимас нарсалар, лаш-луш, қақир-қуқир.

ДРЕБЕЗГ: с ~ом *разг.* жаранглаб; зириллаб; **в (ме́лкие) ~и** *разг.* майда-майда бўлиб (қилиб), чилпарчин бўлиб (қилиб).

ДРЕБЕЗЖА́НИЕ *с* зириллаган (дириллаган) товуш, жаранг; зириллаш, дириллаш, жаранглаш.

ДРЕБЕЗЖА́ТЬ, -жи́т *несов.* зирилламоқ, дирилламоқ, жарангламоқ; **стёкла ~т** ойналар зириллайди (зириллаяпти).

ДРЕВЕСИ́Н/А *ж* 1 *бот.* ёғочли, ёғоч (дарахтнинг пўстлоқ билан ўзак ўртасидаги қаттиқ ёғоч қисми); 2 *собир.* тахта-ёғоч, ёғоч-тахта; **делова́я ~а** ишга яроқли ёғоч-тахта; **заготóвка ~ы** ёғоч-тахта тайёрлаш.

ДРЕВЕСИ́ННЫ/Й, -ая, -ое дарахтнинг ёғочли қисмига (ёғочига) оид; ёғочлик..., ёғоч...; ~**е волóкна** ёғочли (ёғоч) толалар(и).

ДРЕВЕ́СНИЦА *ж* 1 арвоҳ капалак; 2 дарахт бақаси (дарахтда яшайдиган бақа).

ДРЕВЕСН/ЫЙ, -ая, -ое 1 дарахтга оид; дарахт...; ёғоч...; ~**ая кора́** дарахт (ёғоч) пўстлоғи; ~**ые поро́ды** дарахт навлари; 2 ёғочдан олинадиган (тайёрланадиган); ёғоч...; ~**ый у́голь** писта кўмир; ~**ый спирт** ёғоч спирти; ~**ая ма́сса** ёғоч массаси, ёғоч бўтқа (қоғоз саноатида); 3 дарахтда яшайдиган; ~**ая лягу́шка** *то же, что* **древе́сница** 2.

ДРЕ́ВКО *с* даста, соп, ёғоч; ~ **зна́мени** байроқ дастаси (ёғочи).

ДРЕВНЕГРЕ́ЧЕСКИЙ, -ая, -ое Юнонистонга ва юнонларга оид; Юнонистон...; юнон(лар)...; ~ **язы́к** юнон тили.

ДРЕВНЕЕГИ́ПЕТСК/ИЙ, -ая, -ое қадимги Мисрга ва мисрликларга оид; қадимги Миср...; қадимги мисрлик (лар)...; ~**ая пи́сьменность** қадимги Миср ёзуви.

ДРЕВНЕИНДИ́ЙСК/ИЙ, -ая, -ое қадимги Ҳиндистонга ва ҳиндларга оид; қадимги Ҳиндистон...; қадимги ҳинд...; ~**ая литерату́ра** қадимги ҳинд (Ҳиндистон) адабиёти.

ДРЕВНЕРУ́ССКИ/Й, -ая, -ое қадимги Русга ва русларга оид; қадимги Русь...; қадимги рус...; ~**е ру́кописи** қадимги Русь (рус) қўл ёзмалари.

ДРЕВ́Н/ИЙ, -яя, -ее; -вен, -вня, -вне 1 қадимги, бурунги, узоқ ўтмишдаги, қадимий; ~**яя Русь** қадимий Русь; ~**ие гре́ки** юнонлар; 2 жуда эски, қадимдан (алмисоқдан, даққиюнусдан) қолган, кўҳна; ~**ие па́мятники иску́сства** қадимги санъат обидалари; 3 кекса, қари; ~**ий стари́к** кекса чол; мункиллаган чол; ~**ий дуб** қари дуб; ✦ ~ **яя исто́рия** қадимги (5-асрдан илгариги) тарих; ~**ие языки́** юнон ва латин тиллари.

ДРЕ́ВНОСТ/Ь *ж* 1 узоқ ўтмиш, қадимги замон, қадим; **в глубо́кой ~и** жуда қадим замонларда; **седа́я ~ь** жуда узоқ ўтмиш, қадим-қадим замон; 2 *мн.* ~**и** қадимдан қолган ёдгорликлар, обидалар, антиқий нарсалар, осори атиқа; **новгоро́дские ~и** Новгород обидалари; **музе́й ~ей** осори атиқалар музейи.

ДРЕ́ВО *с, мн.* древеса́, *р.* **-ве́с**, *дат.* **-а́м** *уст. поэт. то же, что* дéрево 1; ✦ **родосло́вное ~** шажара.

ДРЕВОВИ́ДНЫЙ, -ая, -ое; -ден, -дна дарахтга ўхшаш (ўхшаган), дарахт шаклидаги, дарахтсимон; ~ **па́поротник** дарахтсимон папоротник.

ДРЕВОНАСАЖДЕ́НИ/Е *с* 1 дарахт (кўчатлари) ўтқазиш; **пра́здник ~я** дарахт (кўчатлари) ўтқазиш байрами; 2 *мн.* ~**я** янги (ўтқазилган) дарахтзор; дарахтзор, **бере́чь ~я** янги (ўтқазилган) дарахтларни (дарахтзорни) эҳтиёт қилмоқ.

ДРЕВОСТО́Й *м* ўрмондаги (ёки унинг бир қисмидаги) дарахтлар мажмуи; бир тўп дарахт.

ДРЕВОТО́ЧЕЦ *м, р.* **-чца** ёғоч қурти.

ДРЕДНО́УТ *м* дредноут (катта броненосец).

ДРЕЗИ́НА *ж* дрезина (темир йўлда юрадиган моторли ёки моторсиз арава, вагон).

ДРЕЙФ *м спец.* дрейф (1 кеманинг курсдан оғиши; 2 кема, музлик ва ш. к. нинг шамол ва оқим билан силжиб юриши); ✦ **лечь в ~ или лежа́ть в ~е** дрейфга тушмоқ (елканлар, лангар, мотор ва ҳ. к. ёрдамида бир жойдан кўзгалмай турмоқ); **сня́ться с ~а** дрейфдан чиқмоқ (елканлар, лангар, мотор ва ҳ. к. ёрдамида ҳаракатсиз ҳолатдан чиқмоқ).

ДРЕ́ЙФИТЬ, -флю, -фишь *несов.* (*сов.* **сдре́йфить**) *прост.* чўчимоқ, юраксизлик қилмоқ; **не дре́йфь!** қўрқма, дадил бўл!

ДРЕ́ЙФОВАТЬ, -фу́ю, -фу́ешь *несов.* 1 оқим билан (ёки шамол таъсирида) кўчиб юрмоқ; ~ **во льдах** музларда кўчиб юрмоқ; 2 *то же, что* **лежа́ть в дре́йфе** *см.* дре́йф.

ДРЕКО́ЛЬЕ *с собир.* олжалатак (гурзи, тўқмоқ, сўйил ва ш. к. қуроллар).

ДРЕЛЬ *ж тех.* дрель, парма даста; **ру́чная ~** дастаки дрель; **пневмати́ческая ~** пневматик дрель.

ДРЕ́МА и ДРЕ́МА *ж то же, что* **дремо́та.**

ДРЕМА́ТЬ, дремлю́ дре́млешь *несов.* 1 мудрамоқ, мудроқ (уйқу) босмоқ, кўзи илинмоқ, пинакка кетмоқ; в **кре́сле** креслода мудрамоқ; 2 *перен.* ғафлатда қолмоқ, ғафлат босмоқ; ✦ **не ~ ҳушёр** бўлмоқ, сергак бўлмоқ, огоҳ бўлмоқ; **враг не дре́млет** душман ҳам ғафлат босиб ётмайди (яъни тайёрланиб пайт пойлайди).

ДРЕМА́ТЬСЯ, дре́млется *несов. разг. кому* мудроқ (уйқу) босмоқ; **мне дре́млется** мени мудроқ босяпти.

ДРЕМО́Т/А *ж* мудроқ, пинак, мудроқ босиш, мудраш; **превозмо́чь ~у** мудроқни енгмоқ.

ДРЕМО́ТН/ЫЙ, -ая, -ое мудроқ (уйқу) босган, мудроқ уйқу аралаш; уйқу келтирадиган; ~**ое состоя́ние** мудроқ босган ҳолат; ~**ая тишина́** уйқу келтирадиган тинчлик.

ДРЕМУ́ЧИЙ, -ая, -ее 1 қалин, қуюқ, зич (ўрмон ҳақида); ~ **лес** қалин ўрмон; 2 *перен.* ўтакетган, бориб турган, қип-қизил, ғирт; ~ **неве́жда** ўтакетган (бориб турган) нодон.

ДРЕ́НА *ж* дрена (ер ости дренаж канали ёки қувури).

ДРЕНА́Ж *м* дренаж (1 *тех.* ернинг захини қочириш, қуритиш; ~ **боло́та** ботқоқликнинг захини қочириш; 2 шу мақсадда қурилган зовурлар ёки қувурлар системаси; 3 *мед.* найча ёрдамида яранинг фасодини олиш).

ДРЕНА́ЖН/ЫЙ, -ая, -ое *тех. мед.* дренаж учун белгиланган, дренаж...; ~**ая кана́ва** зовур; ~**ая маши́на** дренаж машинаси, зовур қазийдиган машина; ~**ые рабо́ты** дренаж ишлари; ~**ая тру́бка** дренаж найчаси.

ДРЕНИ́РОВАТЬ *сов.* и *несов. что* 1 *тех.* дренаж қилмоқ, захини қочирмоқ, қуритмоқ; 2 *мед.* дренаж қилмоқ, найча ёрдамида фасодини олмоқ.

ДРЕСВА́ *ж* йирик қум; майда шағал.

ДРЕСВЯ́НЫЙ, -ая, -ое йирик қумли; майда шағалли, йирик қум...; майда шағал...

ДРЕССИРО́ВАННЫЙ, -ая, -ое 1 *прич. от* **дрессирова́ть**; 2 *в знач. прил.* дрессировка қилинган, ўргатилган; ~ **медве́дь** ўргатилган айиқ.

ДРЕССИРОВА́ТЬ, -ру́ю, -ру́ешь *несов.* (*сов.* **вы́дрессировать**) *кого-что* 1 дрессировка қилмоқ, ўргатмоқ; ~ **звере́й** ҳайвонларни ўргатмоқ; 2 *перен. разг. ирон.* кўр-кўрона интизомга (тартибга) ўргатмоқ, тартиб-интизом қулига айлантирмоқ.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ДРЕССИРО́ВКА *ж по гл.* **дрессирова́ть; ~ живо́тных** ҳайвонларни ўргатиш.

ДРЕССИРО́ВЩИК *м* дрессировкачи, ҳайвонларни ўргатувчи.

ДРЕССИРО́ВЩИЦА *ж см.* **дрессиро́вщик.**

ДРОБИ́ЛКА *ж, р. мн.* **-лок** дробилка, майдалаш машинаси.

ДРОБИ́ЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое майдалайдиган, янчадиган, майдалаш...; **~ая маши́на** майдалаш машинаси; **~ая ме́льница** янчадиган тегирмон.

ДРОБИ́НА *ж* (бир дона) питра; **э́то ему́ что слону́** ~ *перен. шутл.* (*л. м.* филга битта питра қанчалик кор қилса, бу ҳам унга шунча таъсир қилади) бу унга ҳеч нарса эмас (пашша чаққандек ҳам кор қилмайди).

ДРОБИ́НКА *ж, р. мн.* **-нок** *уменьш. от* **дроби́на.**

ДРОБИ́ТЬ, -блю́, -би́шь *несов.* 1 (*сов.* **раздроби́ть**) *что* майдаламоқ, парчаламоқ, бўлмоқ, ушатмоқ, чақмоқ; янчмоқ; **~ ка́мень** тош майдаламоқ, тош чақмоқ; **~ ко́сти** суяк (ларни) янчмоқ; **~ зерно́** дон янчмоқ; 2 (*сов.* **раздроби́ть**) *что* майдаламоқ, майдалаб (бўлиб, сочиб) юбормоқ, сочмоқ, майдалаштирмоқ; **~ си́лы** кучларни сочиб юбормоқ (пароканда қилмоқ); **~ вопро́с** масалани майдалаштирмоқ, жузъий қисмларга бўлиб юбормоқ; 3 *разг.* такир-тукур (шитир-шитир) овоз чиқармоқ, такирламоқ, дириллламоқ; **до́ждик дроби́т по окну́** ёмғир деразага шитир-шитир уриламоқда; **плеса́ть, дробя́ каблука́ми** пошналарни такирлатиб ўйинга тушмоқ.

ДРОБ/И́ТЬСЯ, -и́тся *несов.* (*сов.* **раздроби́ться**) 1 майдаланмоқ, парчаланмоқ, бўлинмоқ, ушалмоқ, чақилмоқ, сочилмоқ; **известня́к легко́ ~и́тся** оҳак осон майдаланади; **во́лны ~я́тся о ска́лы** тўлқинлар қояларга урилиб парчаланмоқда (сочилмоқда); 2 майдаланмоқ, майдалашмоқ, бўлиниб (сочилиб) кетмоқ; пароканда бўлмоқ; **~я́тся си́лы** кучлар бўлиниб (сочилиб) кетмоқда (пароканда бўлмоқда); 3 *страд. от* **дроби́ть** 1, 2.

ДРОБЛЕ́НИЕ *с по гл.* **дроби́ть** 1, 2 и **дроби́ться** 1, 2; **~ зерна́** донни янчиш; **~ сил** 1) кучларни бўлиш (сочиб юбориш); 2) кучларнинг бўлиниши, сочилиши; 3 *биол. то же, что* **сегмента́ция яйца́** *см.* **сегмента́ция.**

ДРОБЛЁНЫЙ, -ая, -ое майдаланган, бўлинган, парчаланган, ушатилган, янчилган; **~ кирпи́ч** майдаланган ғишт; ғишт парчаси; **~ рис** янчилган гуруч, оқшоқ.

ДРО́БНИЦА *ж спец.* питрадон.

ДРО́БНОСТЬ *ж* майдаланганлик, парчаланганлик, сочилганлик, парокандалик.

ДРО́БНЫЙ I, -ая, -ое; -бен, -бна 1 майдаланган, майда, бўлак-бўлак, тафсилли; **~ пе́речень** тафсилли (батафсил) рўйхат; 2 майда, тез-тез; **~ шаг** майда қадам, бедана юриш; **~ стук дождя́** ёмғир томчиларининг такир-тукури.

ДРО́БН/ЫЙ II, -ая, -ое *мат.* касрий; каср...; **~ое число́** касрий сон, каср сон; **~ая величина́** касрий катталик, каср.

ДРОБОВИ́К *м, р.* **-а́** сочма ўқ отадиган ов милтиқ.

ДРОБОВ/О́Й, -а́я, -о́е сочма ўқ отадиган, сочма; **~о́е ружьё** *то же, что* **дробови́к.**

ДРОБОЛИТЕ́ЙНЫЙ, -ая, -ое *спец.* питра ясайдиган, питра қуядиган, питра...; **~ цех** питра ясайдиган (қуядиган) цех, питра цехи.

ДРО́БЬ I *ж собир.* сочма ўқ, питра; **кру́пная ~** йирик питра.

ДРОБЬ II *ж, мн.* **дро́би**, *р.* **-е́й** *мат.* каср; **пра́вильная ~** тўғри каср; **непра́вильная ~** нотўғри каср; **проста́я ~** оддий каср; **непрерывная ~** даврий каср; **десяти́чная ~** ўнли каср.

ДРОБЬ III *ж* такир-тукур (дупур-дупур) овоз; **бараба́нная ~** барабаннинг дўпир-дўпири (такир-тукури).

ДРОВ/А *мн* ўтин; **сырые́ ~а́** хўл ўтин; **наруби́ть ~а́** ўтин ёрмоқ, ўтин тайёрламоқ; **чем да́льше в лес, тем бо́льше ~** *посл.* (*л. м.* ўрмон ичкарисига кириб борган сари ўтин-чўп кўпаяверади) масалага қанча чуқурроқ киришилса, шунча мураккаблашади, ковлаштирган сари қийинлашаверади; **✦кто в лес, кто по ~а́** *погов.* бири боғдан (келса), бири тоғдан (келади).

ДРО́ВНИ *мн.* ўтин ташийдиган чана (қишлоқларда).

ДРОВОЗАГОТО́ВКИ *мн., р.* **-вок** (*ед.* **дровозагото́вка** *ж*) ўтин тайёрлаш.

ДРОВОКО́Л *м* 1 *уст.* саржинчи, ўтин ёрувчи; 2 *обл.* ўтин ёрадиган болта.

ДРОВОКО́ЛЬНЫЙ, -ая, -ое ўтин ёрадиган; ўтин ёриш...; **~ стано́к** ўтин ёрадиган машина.

ДРОВОПИ́ЛЬНЫЙ, -ая, -ое ўтин (ёғоч) арралайдиган; ўтин (ёғоч) арралаш...

ДРОВОСЕ́К *м* 1 *уст.* ёғоч (дарахт) кесувчи ишчи; 2 ёғоч қурти.

ДРОВЯНИ́К *м, р.* **-а́** 1 *разг.* ўтинхона, ўтин турадиган омбор; 2 *уст.* ўтинфуруш, ўтинчи.

ДРОВЯН/О́Й, -а́я, -о́е 1 ўтин турадиган; **~о́й склад** ўтин склади; 2 ўтин ёқиладиган; **~о́е отопле́ние** ўтин билан иситиш, ўтин билан иситиладиган система; 3 ўтинбоп; **~о́й лес** ўтинбоп ёғоч.

ДРОГА́ *ж, мн.* **дро́ги** шоти (арава шотиси).

ДРО́ГИ *мн.* ридвон арава, тўрт ғилдиракли узун арава.

ДРО́ГНУТЬ I, -ну, -нешь; дрог, -ла *несов.* (*сов.* **продро́гнуть**) тўнгмоқ, совқотмоқ, совуқдан қалтирамоқ.

ДРОГНУ́/ТЬ II, -ну, -нешь; -нул, -нула *сов.* 1 қимирламоқ, учмоқ, сапчиб тушмоқ; **В руке́ не ~л пистоле́т** (Лермонтов) қўлидаги пистолет қимир этмади; 2 пир-пирамоқ, гуп-гуп уриб кетмоқ; **се́рдце ~ло** юраги пир-пираб, гуп-гуп уриб кетди; 3 титрамоқ, қалтирамоқ; **го́лос его́ ~л** унинг овози қалтиради; 4 саросимага тушмоқ, бардош беролмай чекинмоқ, қочмоқ; **враг ~л** душман бардош беролмай чекина бошлади.

ДРОЖА́НИЕ *с по гл.* **дрожа́ть** 1—3; **~ рук** қўлларнинг қалтираши; **~ стёкол** ойналарнинг зириллаши; **~ го́лоса** овознинг титраши.

ДРОЖА́ТЕЛЬНЫ/Й, -ая, -ое зириллаган, дириллаган, пир-пираган, тебранма; **~е движе́ния** тебранма ҳаракат, зириллаш, дириллаш, пир-пираш, пир-пир учиш.

ДРОЖА́ТЬ *несов.* 1 зириллламоқ, дириллламоқ, титрамоқ, тебранмоқ, ларзага келмоқ; **стёкла дрожа́т** ойналар зириллайди (зириллаяпти); 2 титрамоқ, қалтирамоқ, қалтироқ босмоқ; **~ от хо́лода** совуқдан қалтирамоқ; **~ от стра́ха** қўрқувдан титрамоқ; **~ от ра́дости** шодликдан титроқ босмоқ; **колени́ дрожа́т** тиззалари(м) қалтирайди (қалтираяпти); **~ ме́лкой дро́жью** 1) эти жимирлашмоқ; 2) *перен.* қўрқмоқ, ҳайиқмоқ; 3 титрамоқ, қалтирамоқ, тебранмоқ (товуш, тор ва ш. к. ҳақида); пир-пирамоқ, милтилламоқ (аланга ва ш. к. ҳақида); 4 *перен. за кого-что* или *над кем-чем разг.* титраб-қақшамоқ, жон куйдирмоқ, ташвиш қилмоқ; қайғурмоқ; **~ за своего́ ребёнка** ўз фарзанди учун жон куйдирмоқ; **~ над ка́ждой копе́йкой** бир тийин учун титраб-қақшамоқ, бир тийин устида тиш синдирмоқ; 5 *перен. перед кем-чем* қўрқмоқ, ҳайиқмоқ, салобати босиб ўзини йўқотмоқ, қалтирамоқ; **~ пе́ред нача́льством** бошлиқ(лар) олдида қалтирамоқ.

ДРОЖЖЕВ/О́Й, -а́я, -о́е (хамиртуруш) солинган; дрожжи...; хамиртуруш...; **~о́й за́пах** дрожжи ҳиди; **~о́е те́сто** дрожжи (хамиртуруш) солиб оширилган хамир.

ДРО́ЖЖ/И *мн., р.* **-же́й** дрожжи, хамиртуруш, туруш, ачитқи; **пивны́е ~и** пиво ачитқиси; **те́сто на ~а́х** дрожжи (хамиртуруш) солинган хамир; **✦как на ~а́х** (растй, поднима́ться) тез (қўзиқориндай) кўпаймоқ.

ДРОЖКИ *мн., р.* **-жек** очиқ енгил арава, извош; **извозчичьи ~** извош арава; **беговы́е ~** пойга арава.

ДРОЖМЯ *нареч. разг.*: **~ дрожа́ть** зир-зир титрамоқ, қалт-қалт титрамоқ.

ДРОЖЬ *ж* титроқ, қалтироқ, ларза, титраш, қалтираш; **~ в го́лосе** овознинг титраши; **не́рвная ~** асабий титраш; **его́ броса́ет в ~** уни қалтироқ (титроқ) босяпти; **~ пробежа́ла (прошла́) по спине́** эти(м) жимирлашиб кетди.

ДРОЗД *м, р.* **-а́** қораялоқ; **пе́вчий ~** сайроқи қораялоқ; **✦дать (или зада́ть) ~а́** *прост.* қаттиқ уришмоқ, койиб қўймоқ.

ДРОК *м* сариқ гулли, дуккакли чўл ўсимлиги.

ДРОМАДЕ́Р *м* нортуя, бир ўркачли туя.

ДРОССЕ́ЛЬ *м* дроссель (1 *эл.* ток кучини тартибга солувчи ғалтак; 2 *тех.* двигателларда: ёнилғи, газ, буғ ўтишини тартибга солиб турувчи клапан).

ДРОССЕ́ЛЬНЫЙ, -ая, -ое дросселли, **дроссель...**; **~ кла́пан дроссель клапан.**

www.ziyouz.com kutubxonasi

ДРО́ТИК *м* қадимда: ирғитиладиган (отиладиган) ўқ; казак аскарларда: найза.

ДРОФА́ *ж, мн.* **дро́фы** тувалоқ, тўхтатувалоқ.

ДРОФИ́НЫЙ, -ая, -ое тувалоққа оид; тувалоқ...; **~ое яйцо́** тувалоқ тухуми.

ДРОЧЁНА *ж* тухум билан сутга қирилган картошка ёки ун қориб тайёрланган қуймоқсимон овқат.

ДРУГ I *м, мн.* **друзья́**, *р.* **-зе́й** и *уст.* **дру́ги** 1 дўст, ёр, биродар, ўртоқ, ошно; **мои́ друзья́** менинг дўстларим; **закады́чный ~** эски ошно, қадрдон дўст; **бли́зкий ~** яқин дўст; **~ де́тства** болалик чоғларидаги ўртоқ; **ста́рый ~ лу́чше но́вых двух** *посл.* (*л. м.* икки янги ўртоқдан битта эски дўст яхши) ҳарна бўлса ҳам эски ошно яхши; эски дўстингдан қолма; **друзья́ познаю́тся в беде́** *посл.* дўст(лар) бошга кулфат тушганда синалади (билинади); 2 *кого-чего высок.* дўст, тарафдор; ҳомий; **~ дете́й** болалар дўсти; **~ свобо́ды** озодлик дўсти; 3 дўстим, оғайни, биродар (мурожаатда); **~ мой!** дўстим!; **помоги́, ~!** оғайни, бир ёрдамлашиб юбор!; ✦ **~ до́ма** 1) хонадон (оила) дўсти; 2) *шутл.* уй бекасининг хуштори; **будь ~ом!** бир дўстлик қил (гин)!

ДРУГ II *м:* **~ ~а** бир-бирини, бир-бировини; **~ ~у** бир-бирига, бир-бировига, ўзаро; **они́ меша́ют ~ ~у** улар бир-бирига халақит беради (беряпти); **они́ нра́вятся ~ ~у** улар бир-бирини яхши кўради (бир-бирига ёқади); **~ за ~а** бир-бири учун, бир-бирининг; **заступа́ться ~ за ~а** бир-бирини ёқламоқ, бир-бирининг ёнини олмоқ; **~ на ~а** бир-бирига, бир-бирини; **наде́яться ~ на ~а** бир-бирига ишонмоқ; **наговори́ть ~ на ~а** бир-бирини ёмонламоқ; **~ про́тив ~а** 1) бир-бирига қарши (зид), бир-бирининг қаршисига, зиддига; 2) рўпарама-рўпара, қарама-қарши, рўбарў; **~ с ~ом** бир-бири билан, ўзаро; **игра́ть ~ с ~ом** бир-бири билан ўйнамоқ; **ссо́риться ~ с ~ом** ўзаро жанжаллашмоқ; **враждова́ть ~ с ~ом** бир-бири билан адоватда бўлмоқ, ўзаро низолашмоқ; **~ от ~а** бир-биридан; **~ к ~у** бир-бирига; **поверну́ться лицо́м ~ к ~у** бир-бирига юз ўгириб (ўгирилиб) қарамоқ.

ДРУГ/ОЙ, -а́я, -о́е 1 бошқа, ўзга, бўлак; иккинчи, нариги; **да́йте мне ~о́й каранда́ш** менга бошқа қалам беринг; **он в ~о́й ко́мнате** у бошқа (нариги) уйда; **в ~о́е вре́мя** бошқа вақтда, кейин(роқ); **на ~о́м берегу́** бошқа (нариги) қирғоқда; **и тот и ~о́й** у ҳам, бу ҳам; **ни тот ни ~о́й** у (ҳам) эмас, бу (ҳам) эмас; **кто-то ~о́й** кимдир, бошқа биров; **совсе́м ~о́й** бутунлай бошқа; **никто́ ~о́й** ҳудди ўзи, ўзгинаси, бошқа ҳеч ким; **лу́чше, чем** *кто-л.* **~о́й** ҳаммадан кўра яхши(роқ); **оди́н за ~и́м** бирин-кетин, кетма-кет; **смотре́ть на всё ~и́ми глаза́ми** ҳамма нарсага бошқа(ча) кўз билан қарамоқ; **быть ~ого мне́ния** бошқа(ча) фикрда бўлмоқ; **с ~о́й стороны́** иккинчи томондан; 2 иккинчи, келаси, келгуси, бириси; **на ~о́й день** келаси куни, эртасига; **в ~о́й раз** келаси (янаги) сафар; 3 *разг.* бошқа одам, бошқа биров; **~о́й бы благодари́л, а ты руга́ешься** бошқа одам бўлса раҳмат дер эди, сен бўлсанг, сўкяпсан; **4** *в знач. сущ.* **~о́й** *м* бошқа(лар), ўзга(лар); **забо́титься о ~и́х** бошқаларнинг ғамини емоқ, бошқаларни ўйламоқ; 5 *в знач. сущ.* **~о́е** *с* бошқа бир ган, нарса, иш ва ҳ. к; **ему́ говори́шь одно́, а он де́лает ~о́е** унга бир нима десанг, у бутунлай бошқа иш (ўз билганини) қилади, одамнинг айтганини қилмайди; **ни то, ни ~о́е не годи́тся** унисиям ҳам, бунисиям ҳам бўлмайди; ✦ **~о́й раз** *прост.* баъзан, баъзида, гоҳо; **~и́ми слова́ми** *вводн. сл.* бошқача (қилиб) айтганда, бошқа сўз билан айтганда, яъни.

ДРУЖБА *ж* дўстлик, биродарлик, қардошлик; ошнолик, иноқлик, аҳиллик; **быть в ~е** *с кем-л.* кимса билан дўст (аҳил, иноқ) бўлмоқ; **те́сная ~а** яқин дўстлик, қалинлик; **неруши́мая ~а** бузилмас (ажралмас) дўстлик; **~а наро́дов** халқлар дўстлиги; **~а ~ой, слу́жба слу́жбой** *погов.* дўстлик ўз йўли билан, хизмат ўз йўли билан; **~а ~ой, а табачо́к врозь** *погов.* (*л. м.* дўстлик ўз йўли билан, лекин тамаки бўлак-бўлак) ҳисобли дўст айрилмас.

ДРУЖЕЛЮБИЕ *с* дўстона муносабат, хайрихоҳлик, дўстлик, самимият.

ДРУЖЕЛЮБНО *нареч.* дўстлик билан, дўстларча, дўстона, хайрихоҳона, самимий; **встре́тил он нас о́чень ~ у бизни жуда** самимий қарши олди.

ДРУЖЕЛЮБН/ЫЙ, -ая, -ое; -бен, -бна дўстона муносабатдаги, дўстлик руҳидаги, дўстона, хайрихоҳона; дўстликни (самимият) ифодаловчи, самимий; **~ые отноше́ния** дўстона муносабатлар; **~ое лицо́** самимий чеҳра.

ДРУЖЕСКИ *нареч.* дўстона, самимият билан, дўстларча; **~ посове́товать** дўстона маслаҳат бермоқ.

ДРУЖЕСК/ИЙ, -ая, -ое дўстона, дўстларча, самимий; дўстлик..., дўстлар...; ўртоқлик...; **~ий кружо́к** дўстлар давраси; **~ая услу́га** дўстона хизмат; **~ое рукопожа́тие** дўстона қўл олишиш (сиқишиш), дўстона кўришиш (саломлашиш); **~ий приве́т** дўстона салом, дўстлик саломи; **ве́чер прошёл в ~ой атмосфе́ре** кеча самимий вазиятда ўтди; ✦ **быть на ~ой ноге́** *с кем* яқин муносабатда бўлмоқ, қалин дўст бўлмоқ.

ДРУЖЕСТВЕНН/ЫЙ, -ая, -ое 1 дўстона, самимий; **~ый тон** дўстона оҳанг; 2 дўст, аҳил, иноқ, тотув, дўстона муносабатдаги; **~ая страна́ дру́жба** мамлакат; **~ые отноше́ния** дўстона муносабатлар; **~ый визи́т** дўстона визит, дўстлик визити.

ДРУЖИНА *ж* дружина (1 қадимги Русда: князь қўшини; 2 кўнгилли қўшин; 3 кўнгилли тўда, отряд; **пионе́рская ~** пионерлар дружинаси; **пожа́рная ~** ўт ўчирувчилар дружинаси; **наро́дная ~** халқ дружинаси).

ДРУЖИННИК *м* дружиначи, дружина аъзоси, қатнашчиси.

ДРУЖИННЫЙ, -ая, -ое дружинага оид; дружина...

ДРУЖИ/ТЬ, -жу́, -жи́шь и **дру́жишь** *несов.* **1** *с кем* дўст бўлмоқ, ўртоқ бўлмоқ; **они́ ~ли с де́тства** улар ёшлигидан ўртоқ (бўлишган); 2 *кого уст.* дўстлаштирмоқ, яқинлаштирмоқ.

ДРУЖИ́ТЬСЯ, -жу́сь, -жи́шься и **дру́жишься** *несов.* **1** (*сов.* **подружи́ться**) *с кем* дўстлашмоқ, дўст (ўртоқ) бўлиб олмоқ; 2 *прост. то же, что* **дружи́ть** 1.

ДРУЖИЩЕ *м разг.* биродар, оғайни(м), дўстим (мурожаатда); **послу́шай-ка, ~!** оғайни, қулоқ сол!; **здра́вствуй, ~!** салом, дўстим!

ДРУЖКА I *м уст.* тўйбоши (куёвникида).

ДРУЖК/А II *разг.*: **друг ~у; друг с ~ой и т. п.**; *то же, что* **друг дру́га; друг с дру́гом** и т. п. *см.* **друг II**.

ДРУЖНО *нареч.* 1 дўстона, аҳиллик билан, аҳил, иноқ, тотув; **жить ~** тотув яшамоқ; 2 биргаликда, биргалашиб, бир ёқадан бош чиқариб, ҳамжиҳатлик (бирдамлик) билан; **де́йствовать ~** ҳамжиҳатлик (бирдамлик) билан иш қилмоқ; **~ взя́ться за де́ло** ишга баравар (бир жон, бир тан бўлиб) киришмоқ; **~ аплоди́ровать** баравар қарсак чалмоқ; 3 бирдан, тез, шига, қийғос, жадаллик билан; **весна́ начала́сь ~** баҳор бирдан бошланди; **посе́вы взошли́ ~** экинлар қийғос униб чиқди.

ДРУЖН/ЫЙ, -ая, -ое; -жен, -жна́, -жно 1 дўст, аҳил, иноқ, тотув; **~ая семья́** аҳил (тотув) оила; **~ый коллекти́в** аҳил коллектив; **мы с ним ~ы** биз у билан дўстмиз; 2 бирга (биргаликда, биргалашиб) қилинган, биргаликдаги; бирдамлик (ҳамжиҳатлик) билан олиб бориладиган; **~ый смех** баббаравар қаҳ-қаҳ уриб кулиш; баравар кўтарилган кулги; **~ые уси́лия** биргаликдаги ҳаракат, бир жон, бир тан бўлиб қилинган ҳаракат; **~ые аплодисме́нты** гулдурос қарсаклар; 3 *разг.* тез содир бўлган, жадал, шиға, қийғос; **~ое цвете́ние хлопча́тника** ғўзанинг қийғос гуллаши; **~ая весна́** бирдан (тез) бошланган баҳор.

ДРУЖ/ОК *м, р.* **-жка́** 1 *ласк. от* **друг** I. 1, 3 дўст, ўртоқ, ўртоқжон; 2 *прост.* оғайни, ўртоқ (мурожаат формаси).

ДРЫГАТЬ *несов.* (*сов.* **дры́гнуть**) *чем разг.* типирлатмоқ, ликиллатмоқ; **~ нога́ми** оёқларини типирлатмоқ.

ДРЫГНУТЬ *сов.* и *однокр. см.* **дры́гать.**

ДРЫЗГАТЬ *несов.* (*сов.* **надры́згать**) *чем прост.* сачратиб ифлос (доғ-дуғ) қилмоқ, сачратмоқ; **~ кра́ской бу́ёк** сачратмоқ, бўёқ сачратиб ифлос (доғ-дуғ) қилмоқ.

ДРЫЗГА́ТЬСЯ *несов. прост.* шапиллатиб сочмоқ, ҳамма ёқни ифлос (доғ-дуғ) қилмоқ.

ДРЫХАТЬ *несов. прост. то же, что* **дры́хнуть.**

ДРЫХНУТЬ, -ну, -нешь; дрых и **дры́хнул, дры́хла** *несов. прост. неодобр.* ухламоқ; ухлаб ётмоқ.

ДРЯБЛ/ЫЙ, -ая, -ое 1 бўш, бўшашган, шалвираган; қуришган, сўлиб қолган; **~ая кожа** шалвираган тери; қу-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ришган тери; ~ые мышцы шалвираган мускуллар; 2 *перен.* бўшанг, бўш, иродаси суст; ~ый характер бўш характер, бўшанглик.

ДРЯБНУТЬ *несов. разг.* бўшашиб (шалвираб) қолмоқ, қуришмоқ, сўлмоқ.

ДРЯЗГИ *мн. разг.* майда-чуйда (борди-келди) гаплар; жанжал, можаро, чиқишмовчилик; **домашние** ~ уйдаги жанжаллар, можаролар; **заводить** ~ жанжал чиқармоқ, жанжал бошламоқ.

ДРЯНН/ОЙ, -áа, -óе; дрянéн, дрянна́, дряннó *разг.* ярамас, бўлмагур, ёмон, ҳеч нарсага арзимайдиган, мазаси йўқ, бемаза; ~ой человéк ярамас одам, мазаси йўқ одам; ~ой мальчи́шка ёмон бола; ~ой у негó хара́ктер унинг характери (феъл-атвори) жуда ёмон; ~áя óбувь жуда ёмон пойабзал.

ДРЯНЦО *с прост. то же, что* **дрянь** 2.

ДРЯНЬ *ж разг.* 1 *собир.* ҳеч нарсага арзимайдиган нарса (ёки одам): ярамас; 2 *в знач. сказ. прост.* ярамас, мазаси йўқ (бемаза, бемаъни); **человéк он** ~ у ярамас одам; дéло ~ иш пачава.

ДРЯХЛЕТЬ *несов.* (*сов.* **одряхлéть**) 1 қартаймоқ, қартайиб куч-қувватдан қолмоқ, мункиллаб қолмоқ; 2 эскирмоқ, путурдан кетмоқ; шарти кетиб, парти қолмоқ.

ДРЯ́ХЛОСТЬ *ж* қартайганлик, мункиллаганлик; шарти кетиб, парти қолганлик.

ДРЯХЛЫЙ, -ая, -ое 1 қартайган, қартайиб куч-қувватдан қолган, мункиллаган; ~ **стари́к** мункиллаган чол; 2 *перен. разг.* эскирган, путурдан кетган, шарти кетиб, парти қолган.

ДУАЛИ́ЗМ *м филос.* дуализм (дунёнинг негизи материя билан руҳ деб билувчи идеалистик фалсафий таълимот).

ДУАЛИ́СТ *м* дуалист, дуализм тарафдори.

ДУАЛИСТИ́ЧЕСК/ИЙ, -ая, -ое дуализмга ва дуалистга оид; дуалистик; дуалист...; дуализм...; ~**ое мировоззре́ние** дуалистик дунёқараш.

ДУБ *м, мн.* **-ы́** 1 дуб, болут, эман; 2 *перен. разг.* тўнка, каллаварам, қовоқбош; ✦ **ду́ба дать** *прост.* ўлмоқ, вафот (қазо) қилмоқ.

ДУБАСИ́ТЬ, -а́шу, -а́сишь *несов. прост.* 1 (*сов.* **отдубаси́ть**) *кого* қаттиқ калтакламоқ, дўппосламоқ, урмоқ; 2 *по чему* и *во что* қаттиқ тақиллатмоқ, дукиллатмоқ.

ДУБИ́ЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое *спец.* тери ошловчи, кўнчи; тери ошлаш...; ~**ое произво́дство** тери ошлаш, кўнчилик корхонаси; ~**ые вещества́** тери ошловчи моддалар.

ДУБИ́ЛЬНЯ *ж, р. мн.* **-лен** тери ошлайдиган жой, цех, кўнчилик корхонаси.

ДУБИ́ЛЬЩИК *м* тери ошловчи ишчи, мутахассис, кўнчи.

ДУБИ́НА *ж* 1 йўғон таёқ; сўйил, тўқмоқ, говрон. 2 *перен. прост.* давангирдай одам. бўйдор (дароз) одам; новча, найнов; 3 *перен. прост. бран.* калтафаҳм одам, тўмтоқ одам, тўнка, каллаварам, галварс, калвак, ландавур.

ДУБИ́НК/А *ж, р. мн.* **-нок** таёқ, сўйил, говрон, тўқмоқ; **рези́новая** ~**а** резина таёқ (баъзи капиталистик мамлакатларда: полициячилар қуроли); ✦ **поли́тика большо́й** ~**и** зўравонлик (куч, калтак ишлатиш) сиёсати.

ДУБИ́НУШКА *ж нар.-поэт. уменьш.-ласк. от* **дуби́на** 1.

ДУБИ́ТЕЛЬ *м* тери ошловчи модда, ош.

ДУБИ́ТЬ, -блю́, -би́шь *несов.* (*сов.* **вы́дубить**) *что* ошламоқ; ~ **ко́жу** тери ошламоқ.

ДУБЛЕ́НИЕ *с* ошлаш (терини).

ДУБЛЕ́НКА *ж, р. мн.* **-нок** *прост.* ошланган (ийланган) теридан тикилган нимпўстин.

ДУБЛЕ́Н/ЫЙ, -ая, -ое 1 ошланган; ~**ая ко́жа** ошланган тери; ~**ый полушу́бок** ошланган, ийланган теридан тикилган нимпўстин. 2 *перен. разг.* шамолдан (совуқдан) дағаллашган; ~**ое лицо́** шамолдан (совуқдан) дағаллашган юз.

ДУБЛЁР *м* дублёр; **завóд-** ~ дублёр завод (умумий ишни бажарувчи икки заводдан ҳар бири); **арти́ст-** ~ дублёр артист, артистнинг дублёри (бир ролни галма-гал ижро этувчи икки артистдан ҳар бири); ~ **космона́вта** космонавт(нинг) дублёри (учишга тайёрланаётган икки космонавтдан бири).

ДУБЛЁРША *ж разг. см.* **дублёр.**

ДУБЛЕ́Т *м* 1 дублет, иккинчи нусха; ~ **ру́кописи** қўл ёзма дублети, қўл ёзманинг иккинчи нусхаси; 2 *спец.* дублет (қўшоғиз милтиқдан бараварига икки ўқ ўзиш).

ДУБЛЕ́ТНЫЙ, -ая, -ое дублет (иккинчи нусха) бўлган; ~ **экземпля́р кни́ги** китобнинг дублети, иккинчи нусхаси.

ДУБЛИКА́Т *м* дубликат (ҳужжатнинг асли билан тенг ҳуқуқли нусхаси); ~ **докуме́нта** ҳужжат дубликати; ~ **дипло́ма** дипломнинг дубликати.

ДУБЛИКА́ТНЫЙ, -ая, -ое дубликатдан иборат бўлган; дубликат...

ДУБЛИ́РОВАНИЕ *с по гл.* **дубли́ровать; ~ рабо́ты** бир ишни икки жойда (ёки икки киши) баравар ишлаш, бир-бирини такрорлаш.

ДУБЛИ́РОВАТЬ *несов. кого-что* 1 такрор (икки ерда баравар) ишламоқ, такрорламоқ; ~ **иссле́дование** тадқиқотни такрорламоқ (икки ерда баравар бажармоқ); ~ **роль** ролни галма-гал ижро этмоқ; 2 галма-гал ижро этмоқ, дублёр ўрнига чиқмоқ; 3 дубляж қилмоқ; ~ **фильм** фильмни дубляж қилмоқ.

ДУБЛЬ *м* 1 *кино* дубль, қайта съёмка, қайта суратга олиш; **отсня́ли три ду́бля** уч қайта съёмка қилинди; 2 *спорт.* дубль, қўш ғалаба; **сде́лать** ~ қўш ғалаба қозонмоқ (мас., ҳам биринчиликни олмоқ, ҳам кубокни ютмоқ); 3 *спорт. разг.* дублёр команда (асосий командага ўйинчилар тайёрловчи иккинчи команда).

ДУБЛЯ́Ж *м* дубляж; дубляж қилиш (бир тилда олинган фильмни бошқа тилга таржима қилиш); ~ **фи́льма** фильмни дубляж қилиш.

ДУБНЯ́К *м, р.* **-а́** дубзор ўрмон (эманзор).

ДУБОВА́ТЫЙ, -ая, -ое *разг.* калтафаҳмроқ, тўмтоқроқ; ~ **челове́к** калтафаҳмроқ (тўмтоқроқ) одам.

ДУБОВИ́К *м, р.* **-а́** дубовик (ейишли замбуруғ тури).

ДУБОВ/ЫЙ, -ая, -ое 1 дубга оид; дубдан ишланган; дуб... ~**ая ро́ща** дубзор, эманзор; ~**ый лес** дубзор ўрмон; ~**ые две́ри** дубдан ясалган эшик, дуб эшик; 2 *перен. разг.* қўпол, ғализ; ~**ый стиль** ғализ услуб; 3 *перен. разг.* қаттиқ, берч; ~**ые я́блоки** берч олма; ✦ ~**ая голова́** (или **башка́** и т. п.) қовоқ бош.

ДУБОНО́С *м* болтатумшуқ (қуш).

ДУБРАВ/А *ж* 1 дубзор ўрмон; дубзор, эманзор; **вековы́е** ~**ы** қадимги (жуда эски) эманзор; 2 *поэт. высок.* умуман ўрмон; **в тени** ~ ўрмонлар соясида.

ДУБРА́ВНЫЙ, -ая, -ое дубзор ўрмонга оид; дубзор ўрмон...

ДУБЬЁ *с собир.* 1 таёқ, сўйил каби қуроллар, оқ калтак-қора калтак; 2 *прост. бран.* гапга тушунмайдиган одамлар, калтафаҳм одамлар.

ДУГ/А *ж, мн.* **ду́ги** 1 дўға; 2 *мат.* ёй; ~**á окру́жности** айлана ёйи; 3 *спец.* дуга (трамвай, троллейбус ва ш. к. нинг симдан электр токи оладиган қисми); ✦ **во́льтова** (или **электри́ческая**) ~**á** *физ.* вольта ёйи, электр ёйи; **гну́ть в** ~**ý** (или **в три** ~**и́**) эгиб олмоқ, бўйсундирмоқ.

ДУГОВ/О́Й, -áя, -óе 1 дўға ишлаб чиқарадиган, дўғасозлик...; ~**óе произво́дство** дўға ишлаб чиқарадиган корхона, дўға ишлаб чиқариш; 2 электр ёйидан фойдаланишга асосланган, электр ёйи билан ишлайдиган; ёйли; ёй...; ~**áя сва́рка** электр ёйи ёрдамида пайвандлаш; ~**áя печь** ёйли печь; ~**áя ла́мпа** ёйли лампа.

ДУГООБРАЗНЫЙ, -ая, -ое; -зен, -зна ёй шаклидаги, ёйсимон; ~ **мост** ёйсимон кўприк.

ДУД/А *ж прост. то же, что* **ду́дка** 1; **и швец, и жнец, и в** ~**ý игре́ц** *погов.* (*л. м.* ҳам тикувчи, ҳам ўроқчи, ҳам сурнай чалади) қўли гул (ҳар ишга моҳир) одам ҳақида.

ДУДАРЬ *м, р.* **-ря́** *уст.* дудка чалувчи, дудкачи.

ДУДЕ́ТЬ, -ди́шь *несов.* ду-дутлатмоқ, дудка (бургу ва ш. к.) чалмоқ; ~ **в рожо́к** бургу чалмоқ; бургуни дудутлатмоқ, лабларни чўччайтириб ду-дуламоқ, увилламоқ; ✦ **в одну́ ду́ду** (или **ду́дку**) ~ 1) бир гапни ҳадеб такрорлайвермоқ; 2) бирга (оғиз-бурун ўпишиб) ҳаракат қилмоқ.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ДУ́ДКА *ж, р. мн.* **-док** 1 дудка, қамишсурнай; 2 дудка (боцманларнинг ҳуштаги); ✦ **плясáть под** *чью-л.* **~у** бировнинг ногорасига ўйнамоқ;

ДУ́ДКИ *межд. разг. шутл.* йўқ, бўлмайди, кетмайди, овора бўласиз; **нет, ~, не скажу́!** овора бўлманг, айтмайман!

ДУДЧА́ТЫЙ, -ая, -ое найсимон, қамишсимон; **~ ствол** найсимон поя.

ДУ́ЖК/А *ж, р. мн.* **-жек** 1 *уменьш. -ласк. от* **дуга́** 1 дўғача; 2 дужка, сим қопқа (мас., крокет ўйинида); 3 ёйсимон тутқа, даста, банд; **ведёрная ~а** челакнинг банди; **~и очко́в** кўзойнакнинг банди; 4 қушларнинг тўш суяги.

ДУКА́Т *м* дукат (баъзи Ғарбий Европа мамлакатларида: қадимги кумуш ёки олтин пул, танга).

ДУ́ЛО *с* 1 ствол; 2 ствол оғзи (отиш қуролларида); **~ пу́шки** 1) тўпнинг стволи; 2) тўп стволининг оғзи.

ДУЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое отиш қуролининг оғзига ёки (стволига) оид; оғиз...; ствол...; **~ая часть ору́дия** қуролнинг оғиз (ствол) қисми.

ДУ́ЛЬЦЕ *с, р. мн.* **-лец** *спец.* пуфлаб чалинадиган асбобларнинг оғизга олинадиган (пуфланадиган) қисми; **~ фле́йты** флейта оғзи.

ДУЛЬЦИНЕ́Я *ж шутл.* севгили, маъшуқа, маҳбуба, ёр.

ДУ́ЛЯ *ж* 1 *обл.* баъзи нок навларининг номи; 2 *прост. то же, что* **ку́киш.**

ДУ́М/А *ж* 1 *высок.* ўй, фикр, хаёл; **~ы о ро́дине** ватан ҳақидаги ўйлар; **~у ду́мать** ўй-ўйламоқ; 2 *лит.* дума (украин халқ эпоси жанрларидан бири); 3 дума (Октябрдан илгариги Россияда давлат органи); **Госуда́рственная ~а** давлат думаси; **городска́я ~а** шаҳар думаси; **боя́рская ~а** боярлар думаси (кенгаши).

ДУ́МА/ТЬ *несов.* 1 *о ком-чём, над чем и без доп.* ўйламоқ, фикр қилмоқ, мулоҳаза қилмоқ, фикр юритмоқ; **~ть о бу́дущем** келажак ҳақида ўйламоқ, келажакни (келгусини) ўйламоқ; **о чём вы ~ете?** сиз нима(лар)ни (нима ҳақида) ўйлаяпсиз?; **~ть над зада́чей** масала устида ўйламоқ, масала устида бош қотирмоқ; 2 ўйламоқ, фараз (тахмин) қилмоқ, ҳисобламоқ, чамаламоқ, фикрда бўлмоқ; **~ю, что он не прав** мен у ҳақли эмас деб ўйлайман; менимча, у ҳақли эмас; **что вы об э́том ~ете?** бу ҳақда сиз қандай фикрдасиз?; 3 *разг.* ўйламоқ, ниятида бўлмоқ; **я ~ю пойти́ в теа́тр** мен театрга бормоқчиман; **~ю сего́дня зако́нчить рабо́ту** бугун ишни битирмоқчиман, бугун ишни битириш ниятидаман, бугун ишни битирсам керак деб ўйлайман; 4 *о ком-чём* ўйламоқ, ғамини емоқ, ташвишини қилмоқ; **~ть о де́тях** болалар ҳақида ўйламоқ, болаларнинг ғамини емоқ (ташвишини қилмоқ); **~ть то́лько о себе́** фақат ўзини ўйламоқ, ўзининг ғамини емоқ; 5 *на кого-что прост.* кимсадан кўрмоқ, гумон қилмоқ, гумонсирамоқ; ✦ **не до́лго ~я** ўйлаб ўтирмасдан, мулоҳаза қилиб кўрмай, ўйламай-нетмай; **мно́го о себе́ ~ть** ўзини катта олмоқ, ўзини катта (билармон, билимдон ва ҳ. к.) фаҳмламоқ; **и ~ть не смей!** *разг.* хаёлингга ҳам келтирма!; **и не ~ю** хаёлимда ҳам йўқ; менга зарур келибдими?; **не ~ю** йўғе, бундай эмасдир; **я ~ю!** албатта, турган гап, маълум!

ДУ́МА/ТЬСЯ, -ается *безл. несов.* 1 *кому разг.* ўйланмоқ, ҳисобланмоқ, хаёл қилинмоқ; **все вы́шло не так, как ~лось** ҳамма иш бошқача бўлиб чиқди (ўйлангандек бўлиб чиқмади); **мне ~ется, так бу́дет лу́чше** менимча шундай қилинса дурустроқ бўлади; 2 ўйланмоқ, фикр (мулоҳаза) қилинмоқ; **в прогу́лку хорошо́ ~ется** сайр вақтида ўйлаш яхшироқ бўлади (ақл яхши ишлайди).

ДУ́МКА *ж* 1 *уменьш. -ласк. от* **ду́ма** 1; 2 *разг.* кичкина ёстиқ, ёстиқча.

ДУ́МНЫ/Й, -ая, -ое *прил. от* **ду́ма** 3; **~е боя́ре** дума боярлари.

ДУ́МПКАР *м* думпкар, ағдарма вагон.

ДУ́МСКИЙ, -ая, -ое *прил. от* **ду́ма** 3; **~ депута́т** дума депутати.

ДУМУ́ШК/А *ж нар.-поэт. ласк. от* **ду́ма** 1; **~у ду́мать** ўй-ўйламоқ.

ДУНГА́НЕ *мн., р. мн.* **-а́н** (*ед.* **дунга́нин** *м,* **дунга́нка** *ж*) тунгонлар.

ДУНГА́НИН *м* тунгон.

ДУНГА́НКА *ж, р. мн.* **-нок** тунгон аёл.

ДУНОВЕ́НИЕ *с* эсиш; **лёгкое ~ ве́тра** енгил шамол эсиши, енгил шабада.

ДУ́НУТЬ *сов. и однокр. см.* **дуть** 1, 3.

ДУПЕЛИ́Н/ЫЙ, -ая, -ое лойхўрак...; **~ое гнездо́** лойхўрак уяси.

ДУ́ПЕЛЬ *м, мн.* **-ля́** лойхўрак (қуш).

ДУПЛЕ́Т *м* дуплет (1 бильярд ўйинида: зарб тури — шарни шарга уриб, бортдан қайтариб лузага тушириш; 2 *то же, что* **дубле́т** 2).

ДУПЛИ́СТ/ЫЙ, -ая, -ое ички ковак, ичи бўш; ковакли, серковак; **~ое де́рево** ичи ковак дарахт; серковак дарахт.

ДУПЛО́ *с, мн.* **ду́пла,** *р.* **ду́пел** ковак, тешик; **~ де́рева** дарахтнинг коваги; **~ зу́ба** тиш коваги.

ДУРА *ж разг.* эси йўқ аёл, аҳмоқ, тентак аёл.

ДУРА́К *м, р.* **-а́** 1 *разг.* эси йўқ одам, аҳмоқ одам; аҳмоқ, тентак, эси паст; 2 *уст.* майнабоз, масхарабоз, қизиқчи (подшоҳлар саройида); 3 *мн.* **~и́** дурак (карта ўйинларидан бир тури); ✦ **дура́к ~о́м** 1) бориб турган аҳмоқ, ғирт аҳмоқ; 2) аҳмоқ бўлиб қолган, лақиллаган; **оста́вить в ~а́х** *кого* 1) ютмоқ, қолдирмоқ (дурак ўйинида); 2) *перен.* аҳмоқ қилмоқ, лақиллатмоқ, алдамоқ; **валя́ть (или лома́ть, ко́рчить) ~а́** *разг.* аҳмоқлик (тентаклик) қилмоқ; майнабозчилик (жиннилик) қилмоқ; **нашёл (нашли) ~а́!** аҳмоғингни топибсан (яъни, аҳмоғинг эмасман); **не ~** (выпить, пое́сть и т. п.) *шутл.* -га келганда жуда уста, жонини киргизади (масалан, ичишга, ейишга ва ҳ. к.); **он не ~ вы́пить** ичишга келганда у жуда уста, ичишнинг жонини киргизади; **без ~о́в** *прост.* майнабозчиликсиз қилмасдан, жиддий.

ДУРАКОВА́ТЫЙ, -ая, -ое *разг.* эси пастроқ, ғалатироқ, овсарроқ.

ДУРАЛЕ́Й *м разг. то же, что* **дура́к** 1.

ДУРА́НДА *ж то же, что* **жмых́и.**

ДУРАЦК/ИЙ, -ая, -ое *разг.* аҳмоқона, аҳмоқларча, бемаъни; **~ие посту́пки** аҳмоқона қилиқлар; аҳмоқона хатти-ҳаракатлар; **~ое положе́ние** бемаъни аҳвол.

ДУРА́ЧЕСТВО *с разг.* аҳмоқона хатти-ҳаракат (иш, қилиқ); аҳмоқлик, тентаклик, бемаънилик.

ДУРА́ЧИНА *м разг. то же, что* **дура́к** 1.

ДУРА́ЧИТЬ *несов.* (*сов.* **одура́чить**) *кого-что разг.* аҳмоқ қилмоқ, алдамоқ, лақиллатмоқ.

ДУРА́ЧИТЬСЯ *несов. разг.* аҳмоқлик (аҳмоқчилик) қилмоқ, майнабозчилик қилмоқ; ҳазиллашмоқ, ўйнашмоқ.

ДУРА́Ч/ОК *м, р.* **-чка́** 1 *уменьш.-ласк от* **дура́к** 1, 2; 2 ақли ноқис, жинни.

ДУРА́ЧЬЁ *с собир. прост.* аҳмоқ одамлар, аҳмоқлар, тентаклар.

ДУРА́ШЛИВЫЙ, -ая, -ое *разг.* 1 аҳмоқнамо, тентакроқ, ғалатироқ; **~ вид** аҳмоқнамо қиёфа; 2 майнабоз, қизиқроқ, шўхроқ.

ДУ́РЕНЬ *м, р.* **-рня** *прост.* аҳмоқ, тентак, нодон; **ах ты ~!** ах нодон-э!

ДУРЕ́ТЬ *несов.* (*сов.* **одуре́ть**) *прост.* 1 эсини емоқ, ақлдан озмоқ; 2 миясига ғанғиб қолмоқ, ғанғимоқ, довдирамоқ.

ДУРЕ́ХА *ж прост. пренебр.* эси йўқ (тентак) аёл.

ДУРИ́/ТЬ *несов. разг.* 1 аҳмоқлик (аҳмоқчилик) қилмоқ, майнабозчилик қилмоқ; ҳазил қилмоқ, ўйнашмоқ, **не ~!** аҳмоқлик қилма!, қўй аҳмоқчилигингни!; ҳазиллашма!; 2 терслик қилмоқ, қайсарлик (ўжарлик) қилмоқ; **ло́шадь ~т** от терслик қилянти, отнинг терслиги тутяпти; ✦ **~ть го́лову** *кому прост.* бошини қотирмоқ, миясини айнитмоқ, ғанғитмоқ.

ДУРМА́Н *м* 1 *бот.* бангидевона; 2 *перен.* банг, афьюн; заҳар; **религио́зный ~** диний афъюн, дин заҳри.

ДУРМА́НИТЬ *несов.* (*сов.* **одурма́нить**) *кого-что* 1 маст қилмоқ, бошини айлантирмоқ, миясини айнитмоқ, ғанғитмоқ; 2 *перен.* онгини заҳарламоқ.

ДУРМА́ННЫЙ, -ая, -ое 1 бангидевонага оид, бангидевона...; **~ ко́рень** бангидевона илдизи; 2 *разг.* маст қиладиган, бошни айлантирадиган, мияни айнитадиган, ғанғитадиган; **~ напи́ток** маст қиладиган ичимлик.

ДУРНЕ́ТЬ *несов.* (*сов.* **подурне́ть**) ёмонлашмоқ, ҳунуқлашмоқ, кўримсиз бўлиб қолмоқ.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ДУРНО́ 1 *нареч.* ёмон, чакки, ножўя; ~ **вести́ себя́** ўзини ёмон тутмоқ, ёмон юрмоқ; ~ **па́хнуть** ёмон (бадбўй) ҳид тарқатмоқ, ҳиди ёмон (бадбўй) бўлмоқ; ~ **поступа́ть** ёмон (ножўя, чакки) иш қилмоқ; ~ **обраща́ться** *с кем-л.* кимса билан ёмон (қўпол, дағал) муомала қилмоқ; ~ **воспи́танный** ёмон тарбия олган, тарбияси ёмон; 2 *безл. в знач. сказ. кому* или *с кем* беҳуд (беҳузур) бўлди(м), тоби(м) қочди, кўнгли(м) айниди; **ему́ (с ним) сде́лалось** ~ **у** беҳуд (беҳузур) бўлди, унинг тоби (мазаси) қочди.

ДУРН/О́Й, -а́я, -о́е; ду́рен и дурён, -рна́, -рно 1 ярамас, ёмон, ёқимсиз; ~**о́й за́пах** ёмон ҳид, бадбўй ҳид; 2 ножўя, чакки, ёмон, ярамас, ярашмаган, келишмаган, хунук, нохуш; ~**о́й посту́пок** ножўя ҳаракат, чакки иш, хунук қилиқ; ~**ые привы́чки** ёмон (ярамас) одатлар; ~**о́е поведе́ние** ёмон юриш-туриш, бадахлоқлик; ~**о́й челове́к** ярамас одам, ёмон одам; нокас; ~**а́я сла́ва** ёмон от чиқариш, ёмон шуҳрат, бадномлик; ~**о́й при́знак** ёмон аломат; ~**а́я весть** нохуш хабар, ёмон ҳабар; 3 хунук, кўримсиз; **она́ не** ~**а́ собо́й** унинг ҳусни ёмон эмас, у кўҳликкина (аёл экан); 4 *прост.* тентак, аҳмоқ, эси паст; **большо́й, да** ~**о́й** бўйдан бору, ақлдан йўқроқ; ✦ ~**о́й глаз** ёмон кўз; суқ кўз; **крича́ть** ~**ым го́лосом** *прост.* асабийлашиб (жини тутиб) бақирмоқ.

ДУРНОТ/А́ *ж* беҳудлик, беҳузурлик, кўнгил айниш; **почу́вствовать** ~**у** беҳузур бўлмоқ.

ДУРНУ́ШКА *ж, р. мн.* **-шек** *разг.* хунук (кўримсиз) аёл.

ДУ́РОСТЬ *ж разг.* аҳмоқлик, аҳмоққчилик.

ДУРО́ЧК/А *ж, р. мн.* **-чек** 1 *уменьш.-ласк. от* ду́ра; 2 ақли ноқис тентак аёл, жинни.

ДУРШЛА́Г *м* човли.

ДУРЬ *ж разг.* аҳмоқлик, тентаклик, аҳмоққчилик; аҳмоқона хатти-ҳаракат (ёки иш, фикр ва ҳ. к.); **вы́кинь** ~ **из голово́й!** аҳмоқона фикрларни бошингдан чиқариб ташла!; ~ **нашла́!** эсини еб қўйибди!; эсингни едингми!; **вы́бить (вы́колотить)** ~ **из голово́й** ҳушини жойига келтирмоқ; ақлини киргизиб қўймоқ, аҳмоқона фикрлардан қайтармоқ.

ДУСТ *м* дуст (зараркунанда ҳашаротларга қарши ишлатиладиган порошок).

ДУ́Т/ЫЙ, -ая, -ое 1 ичи ковак, бўш, ҳавоғ; ~**ые се́рьги** ичи ковак зирак; 2 пуфланган, дам берилган; ~**ый шар** дам берилган шар; 3 *перен.* бўрттирилган, ошириб юборилган, орттириб кўрсатилган, кўпиртирилган, муболағали, пуч; ~**ые ци́фры** бўрттирилган рақамлар; ~**ый авторите́т** пуч авторитет; ~**ая сла́ва** ошириб юборилган шуҳрат.

ДУТЬ *несов.* 1 (*сов.* **ду́нуть**) эсмоқ; **ве́тер ду́ет** шамол эсмоқда; 2 кирмоқ, урмоқ, ғурилламоқ; **здесь так ду́ет** бу ердан ғуриллаб шамол (совуқ) киряпти; **ду́ет от окна́** ойнадан шамол (совуқ) уряпти; 3 (*сов.* **ду́нуть**) пуфламоқ, дам бермоқ; ~ **на горя́чий чай** иссиқ чойни пуфлаб совитмоқ; ~ **в трубу́** пуфлаб трубани чалмоқ; 4 (*сов.* **вы́дуть**) *что спец.* пуфлаб (дам бериб) ясамоқ, тайёрламоқ (шиша буюмларни); ~ **буты́лки** пуфлаб бутилка ясамоқ; 5 (*сов.* **вы́дуть**) *что прост.* кўп ичмоқ, тўхтовсиз ичавермоқ; ~ **чай** кўп чой ичмоқ; тўхтовсиз чой ичавермоқ; 6 *прост.* уриб (жаҳду жадал билан) бирор иш қилмоқ; **так и ду́ет на балала́йке** уриб балалайкани чалиб ётибди; **ду́ет впереди́ всех ҳаммадан** олдинда (югуриб) кетяпти; ✦ ~ **гу́бы** кимсадан араз қилмоқ, кимсадан аччиқланиб (хафа бўлиб) лаб-лунжини (қовоғини) осилтирмоқ, тиртаймоқ, терсаймоқ; **и в ус (себе́) не ду́ет** парвойига ҳам келмайди.

ДУТЬЁ *с* 1 пуфлаб (дам бериб) ясаш; 2 *спец.* дам бериш, ҳаво юбориш (мас., насос, босқон билан).

ДУ́ТЬСЯ *несов. разг.* 1 *на кого-что* кимсадан араз қилмоқ, хафа бўлмоқ, хафа бўлиб лаб-лунжини (қовоғини) осилтирмоқ, тиртаймоқ, терсаймоқ; **не ду́йся на меня́** мендан хафа бўлма, менга димоғ-фироғ қилма; 2 *прост.* берилиб ўйнамоқ, муккасидан кетиб (бош кўтармай) ўйнамоқ; ~ **в ка́рты** бош кўтармай карта ўйнамоқ, картадан бош кўтармаслик.

ДУХ *м* 1 ақл, онг, идрок; **в здоро́вом те́ле здоро́вый** ~ соғ танда соғ ақл; 2 *филос.* руҳ; **Дух есть лишь вы́сший проду́кт приро́ды** (К. Маркс) Руҳ материянинг олий маҳсулигинадир; 3 руҳий ҳолат, ички кайфият, руҳ; ~ **а́рмии** армиянинг руҳий ҳолати (руҳи, кайфияти), **боево́й** ~ жанговар руҳ; **прису́тствие** ~**а** руҳи баландлик, дадиллик; қайфи чоғлик; **подъём** ~**а** руҳи кўтаринкилик, кўтаринки руҳ, **упа́док** ~**а** руҳий тушкунлик; **не па́дай** ~**ом** руҳингни туширма, тетик (дадил) бўл, хафа бўлма; **поднять** ~ руҳини кўтармоқ, далда бермоқ; 4 **дадиллик, жасорат, юрак; собра́ться с** ~**ом** ўзини қўлга олмоқ, дадил бўлмоқ; **у него́** ~**у не хвати́ло сказа́ть об э́том** бу тўғрида айтишга унинг юраги бормади, айтишга журъат қилолмади (қўрқди); 5 *перен. чего* характерли хусусият, моҳият, руҳ, талаб, дид; ~ **вре́мени** замон руҳи; **в** ~**е вре́мени** замон руҳида(ги), замон талаби(даги); ~ **Хе́льсинки** Хельсинки руҳи; ~ **Ташке́нта** Тошкент руҳи; **э́то противоре́чит** ~**у зако́на** бу қонунга зид (қонун талабига тўғри келмайди); **э́то в моём** ~**е** бу менинг дидимга тўғри келади; менинг дидимдаги шу; 6 руҳ, арвоҳ; жин; **злой** ~ иблис, шайтон, жин; 7 *разг.* нафас, дам; **перевести** ~ нафасни ростламоқ; ~ **захва́тывает (или замира́ет)** дами(м) қайтиб кетяпти, нафаси(м) ичи(м)га тушиб кетяпти; **одни́м (или еди́ным)** ~**ом** бир нафас олишда, бир зўр беришда; бир йўла; 8 *разг.* ҳаво; **лесно́й** ~ ўрмон ҳавоси; 9 *прост.* ҳид, ис; **тяжёлый** ~ оғир (ёқимсиз) ҳид; ✦ **в** ~**е** кайфи чоғ, кайфи жойида, хурсанд; **не в** ~**е** 1) кайфияти ёмон, нашъаси паст, хафа; 2) истаги (хоҳиши, рағбати) йўқ; **как на** ~**ý** *уст.* ҳеч нарсани яширмасдан, рост (гапирмоқ, айтмоқ); **святы́м** ~**ом** *разг. шутл.* қаердандир, худонинг қудрати билан; **во весь** ~ или **что есть** ~**у** бор кучи билан, жони борича; ~ **вон** *у кого разг.* ўлди, қазо (вафот) қилди; **испусти́ть** ~ *уст.* ўлмоқ, қазо (вафот) қилмоқ; **о нём ни слу́ху ни** ~**у** унинг дом-дараги йўқ; **ни сном ни** ~**ом** (не знать) етти ухлаб тушида ҳам кўрмаганлик, эшитмаганлик, мутлақо хабари йўқлик; **что́бы** ~**у твоего́ здесь не́ было** бу ерга қадамингни босма, қадаминг қирқилсин, дийдорингни кўрсатма.

ДУХА́Н *м* майхона, кичик ресторан (Қавказда).

ДУХИ́ *мн.* атир; **цвето́чные** ~ гул атири.

ДУХОБО́Р *м* духобор (православие динининг баъзи маросим ва ақидаларини рад этувчи мазҳабдаги киши).

ДУХОБО́РКА *ж, р. мн.* **-рок** *см.* **духобо́р.**

ДУХОВЕ́НСТВО *с собир.* руҳонийлар; **мусульма́нское** ~ мусулмон руҳонийлари; ✦ **бе́лое** ~ оқ руҳонийлар (поплар); **чёрное** ~ қора руҳонийлар (монахлар).

ДУХОВИ́ТЫЙ, -ая, -ое *прост.* хушбўй, муаттар.

ДУХО́ВК/А *ж, р. мн.* **-вок** духовка; **испе́чь пироги́ в** ~**е** пирогларни духовкада пиширмоқ.

ДУХО́ВНИК *м чей* или *кого* руҳоний ота, пир.

ДУХО́ВНОСТЬ *ж* маънавийлик.

ДУХО́ВН/ЫЙ, -ая, -ое 1 ақлий, руҳий, маънавий; ~**ая бли́зость** маънавий яқинлик; ~**ые запро́сы** маънавий эҳтиёжлар; ~**ые интере́сы** маънавий майл-истаклар; ~**ая пи́ща** маънавий озуқа, гизо; 2 руҳоний, диний; дин..., черков...; ~**ый сан** диний рутба; ~**ое лицо́** руҳонийларга мансуб киши, руҳоний; ~**ая му́зыка** диний музика; ✦ ~**ое завеща́ние** васиятнома, васият.

ДУХОВ/О́Й, -а́я, -о́е 1 пуфлаб чалинадиган, духовой; ~**о́й орке́стр** духовой оркестр; 2 қиздирилган (ёки сиқилган) ҳаводан фойдаланиб ишлайдиган; ~**о́е ружьё** ҳаво кучи билан ишлайдиган милтиқ, пневматик милтиқ; 3 буғлама, буғда пиширилган; ~**ые котле́ты** буғлама котлет.

ДУХОТА́ *ж* ҳавонинг иссиқлиги (ёки бузуқлиги, оғирлиги); димлик; **в ко́мнате** ~ уй дим, уйнинг ҳавоси оғир (бузуқ); ~ **ле́тней но́чи** ёз тунининг димлиги.

ДУШ *м* душ; **холо́дный** ~ совуқ душ; **горя́чий** ~ иссиқ душ; **приня́ть** ~ душ қабул қилмоқ.

ДУШ/А́ *ж, мн.* **ду́ши** 1 **қалб,** кўнгил, юрак; **по** ~**е́** кўнгилдагидек; дидига мос; **мне э́то не по** ~**е́** бу менга ёқмайди (ёқмаяпти), бу менинг дидимга тўғри келмайди; **пре́дан** ~**о́й и те́лом своему́ де́лу** ўз ишига жону тани билан берилган; **ра́достно на** ~**е́** кўнгил шод; **трево́жно на** ~**е́** кўнгил ғаш; **по** ~**а́м говори́ть** дилкашлик қилмоқ, очиқчасига (очилишиб) гапиришмоқ, юракдан гапирмоқ, дил розин айтмоқ, харатлашмоқ; **вложи́ть ду́шу** *во что* жонини бермоқ, жон фидо қилмоқ; ~**á не лежи́т** *к кому-чему* кўнгилга ёқмайди, кўнгил кўтармайди; ~**á не принима́ет** хуш кўрмайди, ёқтирмайди, кўнгил тортмайди; ~**á ра́дуется** кўнглинг (баҳри-дилинг) очилади; **от (всей)** ~**и́** (или **всей** ~**о́й**) чин қалбдан, чин юракдан, самимий; **жить** ~**á в ду-**

www.ziyouz.com kutubxonasi

шу *разг.* бир жон, бир тан бўлиб яшамоқ, иноқ (аҳил) яшамоқ; **залеза́ть (или влеза́ть) в ду́шу** пинжига кирмоқ, сирига ошно бўлмоқ; кўнглини топмоқ; **ско́лько ~е́ уго́дно** истаганча, хоҳлаганча; **ни ~ой, ни те́лом не винова́т** ҳеч гуноҳи(м) йўқ; **отвести́ ду́шу** кўнгилдагини айтиб енгил тортмоқ, кўнгилдагини чиқармоқ, кўнгил ёзмоқ; **брать на́ ~у** *что* ўзига (ёки ўз устига, зиммасига) олмоқ; **за ~у берёт** юракни эзади; **~и́ не ча́ять** *в ком* жуда яхши кўрмоқ, ғоят севмоқ; **~а́ не на ме́сте** (или **~а́ боли́т**) кўнгил жойида эмас, кўнгил алағда (безовта, ғаш); **с ~и́ воро́тит** *от чего* кўнгилни оздиради; 2 жон, руҳ; **как бог на́ ~у поло́жит** худонинг буюргани (пешанада бори) бўлади; **отда́ть бо́гу ду́шу** бандаликни бажо келтирмоқ; ўлмоқ, қазо (вафот) қилмоқ, жон бермоқ; **~а́ с те́лом расста́ется** куни(м) битди, жон чиқар пайти келди; **~а́ в пя́тки ушла́** жони чиқиб кетди, қўрқиб кетди; **в чём ~а́ де́ржится** аранг ликиллаб турибди, бурнидан тортса йиқилади (йиқилгудай); 3 феъл-атвор (характер) рамзи; кўнгил, ғағир; **до́брая ~а́** кўнгли бўш, кўнгилчан, юмшоқ (одам); **ни́зкая ~а́** пастқаш, разил (одам); **у него́ ~а́ нараспа́шку** у кўнгли очиқ одам, шалдир-шулдир, бир қоп ёнғоқ; 4 *перен. чего* жони, жону дили, юраги, отаси; **~а́ всего́ де́ла** бутун ишнинг бошида турган киши (отаси); **~а́ о́бщества** жамиятнинг юраги, жону дили; 5 *разг.* одам, киши, жон; **в до́ме ни ~и́** уйда ҳеч ким (ҳеч зот) йўқ; **живо́й ~и́ нет** бирорта жон эгаси йўқ, ҳеч ким йўқ; **на ду́шу населе́ния** аҳоли жон бошига; **6** *уст.* крепостной деҳқон; ✦ **мёртвые ду́ши** 1) ўлик жонлар; 2) ҳисобда бор, ўзи йўқ кишилар; **без ~и́** истар-истамас; завқсиз; **с ~о́й** берилиб, жону дил билан, бажонидил, жон деб; завқ билан; **петь с ~о́й** берилиб (завқ билан) куйламоқ; **в ~е́** 1) кўнглида, кўксида, ичида, ўзича; **в ~е́ он не был согла́сен** кўнглида у норози (рози эмас, кўшилишмас) эди; 2) табиатан, табиатида; **он по́эт в ~е́** у табиатан шоир, шоирлик унинг табиатида бор; **для ~и́** *разг.* ўзи учун, ўзини (ўз ҳузур-ҳаловатини) кўзлаб; **~а́ моя́!** *разг.* жоним!, азизим!, азизам!; **за ~о́й нет (ничего́, ни копе́йки)** *у кого* ҳеч вақоси (сариқ чақаси, бир тийини ҳам) йўқ; **за ми́лую ду́шу** сўзсиз, индамасдан; **~а́-челове́к** *разг.* дилдор (дилбар) одам, жонон одам, одамохун.

ДУШЕВА́Я *ж, р* **-о́й** душхона, душ.

ДУШЕ́ВНО *нареч.* 1 маънавий (жиҳатдан), руҳан; **страда́ть ~ и физи́чески** ҳам жисмоний, ҳам руҳан азобланмоқ; 2 чин қалбдан, юракдан, самимий; **~ рад вас ви́деть** сиз билан кўришганим учун чин қалбдан хурсандман.

ДУШЕВНОБОЛЬН/О́Й, -а́я, -о́е 1 руҳий касалликка учраган, руҳий касал; **~о́й челове́к** руҳий касал одам; 2 *в знач. сущ.* **~о́й** *м* руҳий касалликка учраган киши; **~а́я** *ж* руҳий касалликка учраган аёл.

ДУШЕ́ВНОСТЬ *ж* самимийлик, самимият.

ДУШЕ́ВН/ЫЙ, -ая, -ое 1 кишининг руҳий ҳолати (ички кайфияти) билан боғланган, руҳий, маънавий, кўнгил...; **~ое состоя́ние** руҳий ҳолат; **~ый подъём** руҳи баландлик, маънавий кўтаринкилик; **~ое споко́йствие** кўнгил жойидалик, тинчлик, хотиржамлик; 2 самимий; **~ый челове́к** самимий одам; **~ое отноше́ние** самимий муносабат; **~ая бесе́да** самимий суҳбат; ✦ **~ые боле́зни** (или **заболева́ния**) руҳий (психик) касалликлар.

ДУШЕВО/Й I, -а́я, -о́е жон бошига тўғри келадиган, киши бошига қараб олинадиган (бериладиган, ҳисобланадиган ва ҳ. к.); **~е потребле́ние** жон бошига тўғри келадиган истеъмол; **~е распределе́ние национа́льного дохо́да** миллий даромаднинг жон бошига қараб тақсимланиши; **~й наде́л земли́** *уст.* ернинг киши бошига (қараб) тақсимланиши.

ДУШЕВ/О́Й II, -а́я -о́е душга (душхонага) оид; душ...; **~а́я установка** душ қурилмаси.

ДУШЕГРЕЙКА *ж, р. мн.* **-е́ек** *уст.* иссиқ (қишлик) нимча.

ДУШЕГУБ *м разг.* қотил, қонхўр, одамхўр.

ДУШЕГУБКА *ж* 1 *то же, что* душегу́б; 2 узун ўймакёғоч қайиқ; 3 душегубка (фашистларнинг одам ўлдирадиган автомашинаси)

ДУШЕНЬКА *м* и *ж разг.* жоним, жонгинам, азизим (хотин-қизларга мурожаат формаси).

ДУШЕПОЛЕ́ЗНЫЙ, -ая, -ое; -зен, -зна *уст.* и *ирон.* ўгит-насиҳатдан иборат бўлган, ўгитли, насиҳатомуз, пандномали.

ДУШЕПРИКАЗЧИК *м юр. уст.* васий.

ДУШЕПРИКАЗЧИЦА *ж юр. уст.* васий аёл.

ДУШЕРАЗДИРА́ЮЩИЙ, -ая, -ее юракни эзадиган, юракни ачитадиган; **~е кри́ки** юракни эзадиган фарёдлар.

ДУШЕСПАСИ́ТЕЛЬНЫЙ, -ая, -ое; -лен, -льна *уст.* и *ирон.* диний насиҳатдан иборат бўлган, ўгит-насиҳатли; **~ разгово́р** ўгит-насиҳатли гап, амри маъруф.

ДУ́ШЕЧКА *м* и *ж, р. мн.* **-чек** *то же, что* **ду́шенька.**

ДУШЕЩИПА́ТЕЛЬНЫЙ, -ая, -ое; -лен, -льна *разг. ирон.* таъсирли, таъсирчан, юракка (қалбга) тез етиб борадиган; **~ рома́нс** таъсирчан романс.

ДУШИ́СТ/ЫЙ, -ая, -ое ҳиди яхши, хушбўй, муаттар; **~ые цветы́** ҳиди яхши гуллар; **~ое мы́ло** хушбўй совун.

ДУШИ́ТЕЛ/Ь *м книжн.* бўғувчи, тўсқинлик қилувчи, ғов солувчи, душман; **~и свобо́ды** озодлик душмани; **~ь просвеще́ния** маърифат душмани, жаҳолатпараст.

ДУШИ́ТЬ I, душу́, ду́шишь *несов.* (*сов.* **задуши́ть**) **1** *кого-что* бўғмоқ, бўғиб ўлдирмоқ; 2 *перен. что книжн.* бўғмоқ, ғов солмоқ, тўсқинлик қилмоқ; **~ кри́тику** танқидни бўғмоқ; **~ свобо́ду** озодликни поймол қилмоқ; 3 *кого* бўғмоқ, нафасини қисмоқ (кайтармоқ); **ка́шель ду́шит** йўтал нафасни қайтаряпти, йўталдан нафаси(м) оғзи(м)га тиқилаяпти; **меня́ смех ду́шит** кулгим қистаяпти; **воротни́к ду́шит** ёқа(м) қисяпти; 4 *перен. кого-что* бўғмоқ, қонини қайнатмоқ, тутақтирмоқ; **его́ души́ла зло́ба** ғазабдан тутақиб борарди; ✦ **~ в объя́тиях** қаттиқ қучоқламоқ, бағрига босмоқ.

ДУШИ́ТЬ II, душу́, ду́шишь *несов.* (*сов.* **надуши́ть II**) *кого-что* атир сепмоқ; атир сепиб хушбўй қилмоқ; **~ носово́й плато́к** дастрўмолга атир сепмоқ.

ДУШИ́ТЬСЯ I, душу́сь, ду́шишься *несов.* 1 бўғилмоқ; **~ в перепо́лненном вагоне** одам лиқ тўла вагонда бўғилмоқ; 2 *страд. от* **души́ть** I, 1.

ДУШИ́ТЬСЯ II, душу́сь, ду́шишься *несов.* (*сов.* **надуши́ться**) ўзига атир сепмоқ.

ДУШИ́ЦА *ж бот.* тоғрайҳон, жамбил.

ДУ́ШКА *м* и *ж, р. мн.* **-шек** *разг.* ёқимли (дилкаш) одам.

ДУШНИ́К *м, р.* **-а́** *уст.* печканинг уйга иссиқ берадиган тешиги.

ДУ́ШНО *безл. в знач. сказ.* 1 дим, дам, димиққан, оғир, бузуқ; **в ко́мнате ~** уй дим. уйнинг ҳавоси оғир (бузуқ); 2 *кому* бўғилиб (нафаси қисилиб, қайтиб) кетяпти; **мне ~** бўғилиб кетяпман, нафасим қисилиб (қайтиб) кетяпти.

ДУ́ШН/ЫЙ, -ая, -ое; -шен, -шна́, -шно ҳавоси бузуқ, оғир, дим; **~ое помеще́ние** ҳавоси оғир (дим) бино; **~ый день** (ҳаво) дим кун.

ДУШ/О́К *м, р.* **-шка́** *разг.* 1 бир оз (андак) ҳид; бузилла (сасиб) бошлаган нарса ҳиди; **мя́со с ~ко́м** бир оз ҳидланган (ҳиди бор) гўшт; 2 *перен. ирон.* аломат, асар, ҳид; **~о́к угодничества** лаганбардорлик аломати.

ДУЭ́Л/Ь *ж* 1 дуэль, яккама-якка олишув; **вы́звать на ~ь** дуэлга чақирмоқ; **дра́ться на ~и** дуэлда олишмоқ; 2 *перен.* жанг, суриштир, **артиллери́йская ~ь** артиллерия отишмалари; **слове́сная ~ь** даҳанаки(оғзаки) жанг, айтишиш; **ша́хматная ~ь** шахмат жанги, шахмат суришиш.

ДУЭ́ЛЬНЫ/Й, -ая, -ое дуэлга оид, дуэль учун белгиланган; дуэль...; **~й пистоле́т** дуэль пистолети; **~е пра́вила** дуэль қоидалари.

ДУЭЛЯ́НТ *м* дуэль қатнашчиси, дуэлчи.

ДУЭ́Т *м муз.* дуэт (1 икки соз ёки овоз учун ёзилган музика асари; **~ы из о́пер** опералардан дуэтлар; 2 шундай асарни ижро этиш ва унинг ижрочилари; **эстра́дный ~** эстрада дуэти; **петь ~ом** дуэт (икки киши) бўлиб ижро этмоқ).

ДУЭ́ТНЫЙ, -ая, -ое дуэтга оид; дуэт...

ДЫБ/А *ж* диба (айбдорнинг танасини чўзадиган қадимги қийнок қурилмаси); **вздёрнуть на ~у** дибага чиқармоқ, дибага қўйиб қийнамоқ, танасини чўзмоқ.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ДЫБИТЬСЯ, -ится *несов.* 1 орқа оёқларда тик турмоқ (от ҳақида); 2 диккаймоқ, ҳурпаймоқ, тикка кўтарилиб турмоқ.

ДЫБОМ *нареч.* тик, тикка, ҳурпайиб, тиккайиб; ✦ **во́лосы вста́ли** (или **ста́ли**) ~ тепа сочи тикка турди.

ДЫБЫ: на ~1) орқа оёқларда; **встать на** ~ орқа оёқларда тик турмоқ (от ҳақида); 2) тик, тикка; тиккайиб; **Ваго́н со снаря́дами был взо́рван, он встал на** ~... (Вс. Иванов) Снарядлар ортилган вагон портлатилган ва у тиккайиб қолган эди; 3) *перен. прост.* қаттиқ қаршилик қилиш; оёқ тираб туриб олиш; **я его́ угова́риваю, а он на** ~ мен уни кўндирмоқчи бўлдим, у сира унамади (оёқ тираб туриб олди).

ДЫЛДА *м* и *ж прост.* новча (дароз) одам, охират тарнови.

ДЫМ *м, мн.* **-ы́** 1 тутун; **густо́й** ~ қуюқ тутун; **нет** ~**а без огня́** *погов. (л. м.* олов бўлмаса, тутун чиқмайди) шамол бўлмаса, дарахтнинг учи қимирламайди; 2 *ист.* хонадон, айрим хўжалик, рўзғор; **дань с** ~**а** тутун солиғи (ҳар бир хонадондан мўрилар сонига қараб олинган солиқ); ✦ **в** ~ *прост.* қаттиқ; ғирт; **разруга́ться в** ~ қаттиқ уришмоқ; **пьян в** ~ қаттиқ маст, ғирт маст; ~ **коромы́слом** *разг.* шовқин-сурон, тўполон, ғалва.

ДЫМИ́Н/А: в ~**у** *прост. то же, что* **в дым** *см.* **дым.**

ДЫМИ́Т/Ь, -млю́, -ми́шь *несов. (сов.* **надыми́ть**) 1 тутаб ёнмоқ, тутамоқ, буруқсамоқ; **печь** ~ печь тутаяпти; 2 *чем* тутатмоқ, буруқситмоқ; ~**ь папиро́сой** папиросни буруқситмоқ.

ДЫМИ́/ТЬСЯ, -и́тся *несов.* 1 тутамоқ, тутаб ёнмоқ, буруқсамоқ; **голове́шка** ~**тся** чала тутаяпти; 2 бурланмоқ, бурланиб (буғ чиқариб) турмоқ; **река́** ~**лась** дарё бурланиб турарди; 3 булут каби ёйилмоқ, сузиб юрмоқ (туман ҳақида); **в лощи́не** ~**тся тума́н** сойликда туман сузиб юрипти.

ДЫМК/А *ж* 1 туман (ёки тутун ва ш. к.) пардаси, парда; ~**а тума́на** туман пардаси, сийрак туман; **подёрнутый** ~**ой** сийрак туман (ёки тутун ва ш. к.) билан қоплан-ган; 2 *уст.* шаша газлама, дока, тўр.

ДЫМН/ЫЙ, -ая, -ое 1 тутаётган, тутаб (буруқсаб) турган; ~**ая голове́шка** тутаётган чала; 2 тутун билан тўлган, тутун босган; ~**ая ко́мната** тутун босган уй; 3 тутайдиган, тутун чиқарадиган, тутунли.

ДЫМО́В/ОЙ, -а́я, -о́е 1 тутундан иборат (ҳосил) бўлган; ~**о́й столб** тутун устуни; 2 тутун чиқадиган (чиқарадиган); ~**а́я труба́** мўри, мўркон; 3 *воен.* тутун ҳосил қиладиган, тутундан ҳосил бўлган (бўладиган); тутун...; ~**а́я заве́са** тутун парда; ~**а́я ша́шка** тутун ҳосил қиладиган шашка; 4 *спец.* тутунга қарши қўлланиладиган; ~**а́я ма́ска** тутунниқоб, тутунга қарши маска.

ДЫМОГА́РН/ЫЙ: ~**ая труба́** *спец.* буғ қозон трубаси.

ДЫМ/О́К *м, р.* **-мка́** 1 *уменьш.-ласк. от* **дым** 1; 2 сийрак тутун, кучсиз тутун оқими, тутун; ~**о́к от папиро́сы** папиросдан чиқаётган тутун, папирос тутуни; ~**ки́ от оруди́йных вы́стрелов** тўплардан отилаётган ўқларнинг тутуни.

ДЫМОХО́Д *м* дудбурон, мўри, мўркон.

ДЫМЧАТ/ЫЙ, -ая, -ое кул ранг, сурма ранг, кўкиш; ~**ое стекло́** кўкиш ойна (шиша).

ДЫНН/ЫЙ, -ая, -ое, қовунга оид; қовундан тайёрланган; қовун...; ~**ые семена́** қовун уруғи; ~**ое варе́нье** қовун мураббо.

ДЫ́НЯ *ж* қовун.

ДЫР/А *ж, мн.* **ды́ры** 1 тешик, туйнук; ~**а́ в забо́ре** девордаги тешик; девор тешиги; 2 йиртиқ жой, йиртиқ; ~**ы на локтя́х** тирсакдаги йиртиқ, тирсакнинг йиртиғи (йиртиқ жойи); 3 *перен. разг.* марказдан узоқ нообод шаҳар, қишлоқ; овлоқ жой, овлоқ; дунёнинг бир чеккаси; **жить в** ~**е́** овлоқда яшамоқ; ✦ **заткну́ть** ~**у́** кам-кетикларни тузатмоқ.

ДЫРКА *ж, р. мн.* **-рок** 1 кичкина тешик, йиртиқ; ~ **на чулке́** пайпоқдаги кичкина тешик.

ДЫРОКО́Л *м разг.* дирокол, тешгич (қоғоз тешадиган канцелярия асбоби).

ДЫРЧАТ/ЫЙ, -ая, -ое *спец.* тешик-тешик; ~**ая перфока́рта** тешик-тешик перфокарта.

ДЫРЯ́ВИТЬ, -влю, -вишь *несов. (сов.* **продыря́вить**) *что разг.* 1 тешмоқ, тешиб қўймоқ; 2 йиртмоқ, йиртиб қўймоқ.

ДЫРЯ́В/ЫЙ, -ая, -ое 1 тешик, тешилган, йиртилган; ~**ая кры́ша** тешик (тешилиб қолган) том; 2 йиртиқ-сиртиқ, ямa-тешик; ~**ый карма́н** йиртиқ (тешик) чўнтак; ~**ый чуло́к** йиртиқ (тешик) пайпоқ; ✦ ~**ая голова́** (или **па́мять**) *шутл.* унутувчан (хотираси ёмон) одам ҳақида.

ДЫХА́НИ/Е *с* 1 нафас олиш; нафас, дам; **о́рганы** ~**я** нафас (олиш) органлари; **иску́сственное** ~**е** сунъий нафас олдириш; **затайв** ~**е** дамини чиқармасдан; **переводи́ть** ~**е** (или **дух**) нафасини ростлаб олмоқ; **не переводя́** ~**я дам** (нафас) олмасдан, бир нафасда; 2 *перен. чего* или *какое* ҳид, нафас, эсиш; ~**е ве́тра** шамол(нинг) эсиши; ~**е весны́** кўклам нафаси; ✦ **второ́е** ~**е** 1) *спорт.* иккинчи нафас (спорт машқларида: маълум вақтдан кейин нафасининг ростланиши); 2) ўнгланиш, ўзини ростлаб олиш; **но́вое** ~**е** янги куч-ғайрат.

ДЫХА́ТЕЛЬНЫ/Й, -ая, -ое нафас олиш учун хизмат қиладиган; нафас...; ~**е пути́** нафас (олиш) йўллари.

ДЫХНУ́ТЬ *сов.* и *однокр. разг. см.* **дыша́ть.**

ДЫША́ТЬ, дышу́, ды́шишь *несов.* 1 (*сов.* **дыхну́ть**) нафас олмоқ, тин олмоқ; **легко́** ~ эркин нафас олмоқ; **тяжело́** ~ оғир (қийналиб) нафас олмоқ; ~ **ртом** оғиздан (оғиз билан) нафас олмоқ; ~ **но́сом** бурун орқали нафас олмоқ; ~ **све́жим во́здухом** тоза ҳаво олмоқ; 2 *перен. чем* нишона бермоқ, акс эттирмоқ, намоён қилмоқ; **ды́шит здоро́вьем** соғлом кўринади, кўриниши соғлом; **у́тро ды́шит прохла́дой** эрталабки салқин сезилиб турибди, эрталабдан салқин бўлиб турибди; ✦ ~ **на ла́дан** ўлим тўшагида ётмоқ; **е́ле** (или **едва́, чуть**) **ды́шит** зўрға нафас олияпти, зўрға турипти, аранг турипти, ўлай деб турипти.

ДЫША́ТЬСЯ, ды́шится *несов. безл. кому* нафас олинмоқ; **легко́ ды́шится** енгил нафас оласан, киши.

ДЫШЛО *с* якка шотн (икки от қўшиладиган аравада).

ДЬЯВОЛ *м* 1 иблис, шайтон; 2 *прост. бран.* иблис, малъун; ✦ **како́го** ~**а; за каки́м** ~**ом; на кой** ~ нима даркори бор (эди), нима кераги бор (эди).

ДЬЯВОЛЁНОК *м, р.* **-нка,** *мн.* **-ля́та** *разг.* шумтака, зумраша, шайтон; **не мальчи́шка, а** ~ бола бола эмас, қипқизил шайтон.

ДЬЯВОЛЬСКИ *нареч. разг.* жуда, ҳаддан ташқари, ғоят; **я** ~ **уста́л** ғоят (қаттиқ) чарчадим; **э́то** ~ **тру́дно** бу жуда ҳам қийин.

ДЬЯВОЛЬСК/ИЙ, -ая, -ое 1 шайтонга хос бўлган, иблисона; шайтон...; иблис...; ~**ое наважде́ние** шайтон васвасаси; 2 иблисона, ёвуз, макрли, маккорона; ~**ий у́мысел** ёвуз ният; ~**ая улы́бка** макрли табассум; 3 *разг.* ҳаддан ташқари ёмон, қаттиқ, шиддатли; ~**ая пого́да** ҳаддан ташқари ёмон об-ҳаво; ~**ие моро́зы** ҳаддан ташқари қаттиқ совуқ, қаҳратон; 4 *разг.* жуда оғир, машаққатли, мушкул; ~**ая рабо́та** жуда оғир иш.

ДЬЯВОЛЬЩИНА *ж разг.* мушкул аҳвол, мушкуллик, мушкулот; **что за** ~**!** бу қандай мушкуллик!

ДЬЯК *м, р.* **-а́** дьяк (1 Қадимги Русда: князь котиби секретари, кейинроқ — амалдор); **ду́мный** ~ дума дьяки; 2 *то же, что* **дья́чок.**

ДЬЯКО́Н *м* дьякон (православ черковида: руҳоний лариинг қуйи унвони).

ДЬЯКО́НИЦА *ж разг.* дьякон хотини.

ДЬЯЧИ́ХА *ж разг.* дьячок хотини.

ДЬЯЧО́К *м, р.* **-чка́** дьячок (православ черковида; энг қуйи лавозимли руҳоний).

ДЮЖИ́Й, -ая, -ее *прост.* бақувват, барваста, азамат ~ **па́рень** бақувват йигит, азамат; **взя́лся за гуж, не говори́, что не дюж** *посл. (л. м.* аравага ўтирдингми, кучим ет майди дема) майдонга тушган манглайни қашимас.

ДЮЖИНА *ж* дюжина, ўн икки дона; дўжина (*эск.*); ~ **таре́лок** бир дюжина (ўн иккита) тарелка; ✦ **че́ртова** ~ *шутл.* ўн уч дона, ўн учта.

ДЮЖИННЫЙ, -ая, -ое бошқалардан ортиқ жойи йўқ оддий, расмана, ўртамиёна, ўртача; ~ **челове́к** ўртамиёна одам.

ДЮЙМ *м* дюйм (25,5 мм).

www.ziyouz.com kutubxonasi

ДЮЙМО́ВКА *ж, р. мн.* **-вок** дюймовка (1 бир дюйм қалинликдаги тахта; 2 йўғонлиги, катталиги бир дюйм нарса).

ДЮЙМО́В/ЫЙ, -ая, -ое бир дюймли, бир дюйм катталикдаги; **~ый гвоздь** бир дюймли мих; **~ая доска́** бир дюйм қалинликдаги тахта, дюймовка тахта.

ДЮ́НЫ *мн.* (*ед.* **дю́на** *ж*) қумтепалар (шамол учириб юрадиган қум уюмлари).

ДЮРАЛЕ́ВЫЙ, -ая, -ое дюралюминийдан қилинган; дюралюминий...; дюрал...

ДЮРА́ЛЬ *то же, что* **дюралюми́ний.**

ДЮРАЛЮМИ́НИЕВЫЙ, -ая, -ое дюралюминийдан қилинган; дюралюминий...

ДЮРАЛЮМИ́НИЙ *м* дюралюминий (алюминийнинг мис, магний ва бошқа элементлар билан қотишмаси).

ДЮ́ШЕС *м* дюшес, тошнок.

ДЯГИ́ЛЬ *м* ойболтирғон, оқсасир (ўтсимон ўсимлик).

ДЯДЕ́НЬКА *м, р. мн.* **-нек** амаки, амакижон; тоға, тогажон.

ДЯ́ДИН, -а, -о амакига (ёки тоғага) тегишли, амаки (м)ники, тоға(м)ники; **~а кни́га** амакининг (ёки тоға)нинг китоби.

ДЯ́ДЬКА *м, р. мн.* **-дек** 1 *разг. то же, что* **дя́дя**; 2 *уст.* тарбиячи, мураббий (дворянлар хонадонида).

ДЯДЮ́ШКА *м* амаки, амакижон; тоға, тогажон.

ДЯ́ДЯ *м* 1 *мн. также* **дя́дья** амаки, тоға; амманинг ёки холанинг эри, почча; 2 *прост.* амаки (ўзидан катталарга мурожаат формаси); 3 *прост.* амаки (болалар нутқида катта киши); **приходи́л како́й-то ~** битта амаки (киши) келувди (келган эди); 4 *разг. шутл.* катта, барваста одам; ✦ **на дя́дю** (или **для дя́ди**) **де́лать, рабо́тать** *прост.* биров учун, бировга (ишлаб бермоқ, қилмоқ); **на дя́дю наде́яться** *прост.* бировга ишонмоқ, бировга ишониб қўл қовуштириб ўтирмоқ; **до́брый ~** *разг. ирон.* (бошқаларнинг ҳисобига) саховий одам, ҳотам, эррайим.

ДЯ́ТЕЛ *м, р.* **-тла** қизилиштон.

ДЯТЛОВЫ́Й, -ая, -ое қизилиштонга оид; қизилиштон..., **~е гнёзда** қизилиштон уяси.

Е

ЕВА́НГЕЛИЕ *с* инжил (христианларнинг диний китоби).

ЕВАНГЕЛИ́СТ *м* 1 инжилнинг тўрт афсонавий муаллифидан ҳар бири; 2 инжилчи (христиан динининг инжилга асосланган мазҳабларидан бирига мансуб киши).

ЕВАНГЕЛИ́СТКА *ж, р. мн.* **-ток** *см.* **евангели́ст** 2.

ЕВАНГЕЛИ́ЧЕСК/ИЙ, -ая, -ое инжилчилар мазҳабига оид; инжилчи(лар)...; **~ая общи́на** инжилчилар жамоаси.

ЕВА́НГЕЛЬСК/ИЙ, -ая, -ое инжилга оид; инжил...; **~ая при́тча о блу́дном сы́не** оқпадар ҳақида инжил ривояти.

ЕВГЕ́НИКА *ж* евгеника, одамлар наслининг ирсий соғломлиги ва уни яхшилаш йўллари ҳақидаги таълимот.

ЕВГЕНИ́СТ *м* евгеника таълимотининг тарафдори.

ЕВГЕНИ́ЧЕСК/ИЙ, -ая, -ое евгеникага оид; евгеника...; **~ое учéние** евгеника таълимоти.

ЕВНУ́Х *м* ҳарам оғаси; ҳарам ходими (бичилган қул).

ЕВРЕ́Й *мн.* (*ед.* **евре́й** *м*, **евре́йка** *ж*) яҳудийлар, яҳудий халқи.

ЕВРЕ́Й *м* яҳудий; *см.* **евре́и.**

ЕВРЕ́ЙКА *ж, р. мн.* **-е́ек** яҳудий аёл; *см.* **евре́и.**

ЕВРЕ́ЙСКИЙ, -ая, -ое яҳудийларга оид; яҳудий (лар)...; **~ та́нец** яҳудийлар рақси, яҳудийча рақс.

ЕВРЕ́ЙСТВО *с собир.* яҳудийлар.

ЕВРОПЕИЗА́ЦИЯ *ж* европалаштириш; европалашиш.

ЕВРОПЕИЗИ́РОВАТЬ *сов. и несов. кого-что* европалаштирмоқ.

ЕВРОПЕИЗИ́РОВАТЬСЯ 1 *сов. и несов.* европалашмоқ; 2 *несов. страд. от* **европеизи́ровать.**

ЕВРОПЕ́ЙСК/ИЙ, -ая, -ое Европага оид; Европага мансуб бўлган; европа..., европача; **~ие стра́ны** Европа мамлакатлари; **~ая часть СССР** СССРнинг Европа қисми.

ЕВРОПЕ́ЙЦЫ *мн.* (*ед.* **европе́ец** *м*, **европе́йка** *ж*) европаликлар, европалик кишилар.

ЕВРО́ПИЙ *м* европий (химиявий элемент).

ЕВСТАХИЕ́В: ~а труба́ *анат.* евстахий найчаси (ўрта қулоқ бўшлиғини бурун-томоқ бўшлиғи билан туташтирувчи найча).

ЕГЕ́РСК/ИЙ, -ая, -ое 1 егерларга, профессионал овчиларга ва овчиликка оид; егерлар...; овчилар...; егерлик...; **~ая до́лжность** егерлик вазифаси, егерлик (овчилик хўжалигида); **~ие сапоги́** овчилар этиги; 2 *воен.* егерларга оид; егер(лар)...; **~ий полк** егерлар полки.

ЕГЕ́РЬ *м, мн.* **-ря́** 1 егерь, профессионал овчи; 2 егерь (баъзи армияларда: махсус ўққи ҳарбий қисмларнинг солдати ёки офицери).

ЕГИ́ПЕТСК/ИЙ, -ая, -ое Мисрга, мисрликларга оид; Миср...; мисрликлар..., **Египе́тские пирами́ды** Миср эҳромлари; ✦ **~ая рабо́та** или **~ий труд** *уст.* азоб-уқубатли меҳнат, жуда оғир иш, заҳмат; **тьма ~ая** тим қоронғилик, зимистон.

ЕГИПТО́ЛОГ *м* мисршунос.

ЕГИПТОЛО́ГИЯ *ж* мисршунослик.

ЕГИ́ПТЯНЕ *мн.* (*ед.* **египтя́нин** *м*, **египтя́нка** *ж*) мисрликлар, Миср халқи, аҳолиси.

ЕГИПТЯ́НИН *м* мисрлик; *см.* **египтя́не.**

ЕГИПТЯ́НКА *ж, р. мн.* **-нок** мисрли аёл; *см.* **египтя́не.**

его́ 1 *см.* **он; я ви́жу его́** мен уни кўряпман; **его́ нет до́ма** у уйда йўқ; **на него́ мо́жно положи́ться** унга ишонса бўлади; 2 *мест. притяж.* уники, унинг; **его́ портфе́ль** унинг портфели.

ЕГОЗА́ *м* и *ж разг.* питир-питир одам, шўх (беқарор, тиниб-тинчимас) одам (кўпинча болалар ҳақида).

ЕГОЗИ́ТЬ, -ожу́, -зи́шь *несов. разг.* 1 питир-питир қилмоқ, шўхлик қилмоқ, тиниб-тинчимаслик; 2 *перен. перед кем-чем разг.* хушомадгўйлик қилмоқ, лаганбардорлик қилмоқ.

ЕГОЗЛИ́ВЫЙ, -ая, -ое *разг.* питир-питир, шўх, беқарор, тиниб-тинчимас.

ЕДА *ж* 1 овқат, таом, томоқ; **вку́сная ~** мазали овқат, лаззатли таом; 2 овқатланиш, овқат ейиш; овқат; **пе́ред едо́й** овқатланишдан (овқатдан) олдин.

ЕДВА́ 1 *нареч.* аранг, базўр, зўрға; **он ~ дошёл до до́му** у зўрға уйига етиб олди; 2 *нареч.* сал, сал-пал, салгина; бир оз, оз-моз; **~ ви́дно** сал кўринади, кўринар-кўринмас; **Нога́ его́ вдруг вы́здоровела: он ~ хрома́ет** (Лермонтов) Унинг оёғи бирдан тузалиб қолди: у энди бир озгина оқсоқланади; **~ жив** ўлай-ўлай деб турибди; чалажон; 3 *нареч.* энгигина, яқинда; **ему́ ~ испо́лнилось пять лет** у энгигина беш ёшга тўлди; 4 *союз* биланоқ, билан, ҳамоно, заҳоти; **~ он вы́шел на у́лицу, как пошёл снег** у уйдан чиқиши биланоқ қор ёға бошлади; ✦ **~ ли** даргумон; эҳтимолдан узоқроқ; **~ ли он придёт** унинг келиши даргумон; **~ не...** оз бўлмаса, сал (пок) бўлмаса; сал қолди; **~ не упа́л** йиқилиши(м)га сал қолди, оз бўлмаса йиқилаёзди(м), йиқилай деди(м); **~ ли не...** бўлиши мумкин, деса ҳам бўладиган, бўла оладиган; деярли, қарийб; **Счита́лся ~ ли не лу́чшим кавалери́стом** (Тургенев) Деярли энг яхши кавалерист ҳисобланар эди.

ЕДИНЕ́НИЕ *с высок.* бирлашув, бирлашиш, иттифоқ бўлиш; бирлик, иттифоқ; **~ па́ртии и наро́да** партия билан халқнинг бирлиги.

ЕДИНИ́Ц/А *ж* 1 бир, бир рақами, бир сонини кўрсатувчи рақам; 2 «бир» (мактабдаги энг паст баҳо); 3 *мн.* **~ы** *мат.* бирликлар; **~ы и деся́тки** бирликлар ва ўнликлар; 4 бирлик (ўлчов бирлиги); **~а ве́са** оғирлик бирлиги; **~а измере́ния** ўлчов бирлиги; 5 бўлинма, қисм; **боева́я ~а** жанговар қисм; 6 *мн.* **~ы** баъзи(лар), баъзи кишилар; фақат айрим(лари); **из отря́да оста́лись счи́танные ~ы** отряддан фақат айримлари қолди; ✦ **шта́тная ~а** штатдаги ходим; **штатдаги ўрин.**

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЕДИНИЧНЫ/Й, -ая,-ое; -чен, -чна 1 ёлғиз, айрим; ~е фа́кты айрим фактлар; 2 ягона, биргина. камдан-кам учрайдиган...; онда-сонда бўлиб турадиган, битта-яримта; ~й слу́чай ягона (биргина) ҳодиса (ҳол).

ЕДИНОБО́ЖИЕ *с* бир худолилик, якка худолилик, монотеизм (худони бир деб билиш); *ср.* **многобо́жие, пантеи́зм.**

ЕДИНОБО́РСТВО *с высок.* яккама-якка олишув, яккама-якка курашиш. мубораза, жанг.

ЕДИНОБО́РСТВОВАТЬ *несов. с кем высок.* яккама-якка олишмоқ, яккама-якка курашмоқ, мубораза (жанг) қилмоқ.

ЕДИНОБРА́ЧИЕ *с* бир никоҳлилик; моногамия (фақат бир хотин билан ёки фақат бир эр билан никоҳда бўлиш олиш); *ср.* **многобра́чие.**

ЕДИНОВЕ́РЕЦ *м, р.* **-рца** диндош, бир диндаги киши(лар).

ЕДИНОВЕ́РКА *ж, р. мн.* **-рок** *см.* **единове́рец.**

ЕДИНОВЛА́СТИЕ *с* яккаҳокимлик, яккаҳокимиятчилик; монархия.

ЕДИНОВЛА́СТН/ЫЙ, -ая, -ое; -тен, -тна 1 якка ҳоким; танҳо ҳокимлик қилувчи; ~**ый прави́тель** танҳо ҳокимлик қилувчи ҳукмдор; ҳокими мутлақ, мустабид; 2 якка ҳокимиятчиликка асосланган; ~**ое правле́ние** якка ҳокимиятчиликка асосланган идора усули.

ЕДИНОВРЕ́МЕННО *нареч.* 1 бир йўла, бир карра, бир топқир, бир варакай; 2 бир вақтда, бир вақтнинг ўзида, ...билан бирга, баравар.

ЕДИНОВРЕМЕНН/ЫЙ, -ая, -ое 1 бир йўла (бир топқир, бир марта) бўладиган; ~**ое посо́бие** бир йўла (бир марта) бериладиган нафақа; 2 *уст.* айни бир вақтда содир бўладиган, бир вақтнинг ўзида (баравар) рўй берадиган; баравар; ~**ое изда́ние всех томо́в собра́ника** тўпламнинг барча томларини баравар чиқариш.

ЕДИНОГЛА́СИЕ *с* 1 фикрларнинг, хоҳишларнинг бирлиги, ҳамфикрлик, ҳамжиҳатлик, бир фикрда бўлиш, бир фикрга келиш; 2 бир овоздан (оғиздан) қабул қилиш.

ЕДИНОГЛА́СНО *нареч.* 1 якдиллик билан, ҳамжиҳатлик билан; бир ёқадан бош чиқариб; ~ **реши́ть вопро́с** масалани якдиллик билан ҳал қилмоқ; 2 бир овоздан, бир оғиздан; **резолю́ция принята́** ~ қарор бир овоздан (оғиздан) қабул қилинди.

ЕДИНОГЛА́СН/ЫЙ, -ая, -ое; -сен, -сна 1 якдиллик билан айтилган, ҳамжиҳатлик билан қилинган, ҳамма маъқуллаган, умумий; ~**ое мне́ние** якдиллик билан айтилган фикр; умумий фикр; 2 бир овоздан (оғиздан) қабул қилинган; ~**ое реше́ние** бир овоздан қабул қилинган қарор.

ЕДИНОДУ́ШИЕ *с* якдиллик, бирдамлик, ҳамжиҳатлик

ЕДИНОДУШ/НЫЙ, -ая, -ое; -шен, -шна 1 якдиллик билан қабул қилинган; ~**ное реше́ние** якдиллик билан қабул қилинган қарор; 2 якдил, ҳамжиҳат, бир ёқадан бош чиқарган; **в суро́вые дни Вели́кой Оте́чественной войны́ наш наро́д был** ~**ен, как никогда́** Улуғ Ватан урушининг оғир кунларида бизнинг халқимиз ҳар қачонгидан ҳам ҳамжиҳат бўлди.

ЕДИНОЖДЫ *нареч. уст.* 1 бир марта; ~ **в жи́зни** умрда бир марта; 2 *то же, что* **одна́жды.**

ЕДИНОКРО́ВНЫ/Й, -ая, -ое; -вен, -вна 1 отаси бир, онаси бошқа; ~**е сёстры** отаси бир, онаси бошқа опа-сингиллар; 2 қондош, қон-қариндош, қардош; ~**е наро́ды** қардош халқлар.

ЕДИНОЛИ́ЧНИК *м* 1 яккахўжалик (артелга кирмаган, уюшмаган, якка деҳқон); 2 *разг.* якка ўзи (ёлғиз ўз кучи билан) иш қилувчи одам.

ЕДИНОЛИ́ЧНИЦА *ж см.* **единоли́чник.**

ЕДИНОЛИ́ЧН/ЫЙ, -ая, -ое 1 якка бир шахсга тааллуқли, унинг ўзи қилган, амалга оширган (ёки қиладиган, амалга оширадиган); ўзбошимча; ~**ое реше́ние** бир киши ўзича қабул қилган қарор, ўзбошимча қарор; ~**ое мне́ние** бир кишининг ўз фикри; ~**ая власть** танҳо бир киши қўлида бўлган ҳокимият, якка ҳокимиятчилик; 2 яккахўжаликка қарашли; яккаҳўжалик...; ~**ое крестья́нское хозя́йство** якка деҳқон хўжалиги.

ЕДИНОМЫСЛИЕ *с* ҳамфикрлик, фикрдошлик, маслакдошлик.

ЕДИНОМЫСЛЯЩИ/Й, -ая, -ее бир хил ўйловчи, бир хилда фикр юритувчи, фикри бир; ~**е лю́ди** бир хил ўйловчи (бир хилда фикр юритувчи) одамлар.

ЕДИНОМЫШЛЕННИК *м* 1 бирор кимса билан фикри, маслаги, қарашлари бир одам; ҳамфикр, фикрдош, ма́слакдош; **мы с ва́ми** ~**и** биз сиз билан ҳамфикр (бир фикрдаги) кишилармиз; 2 шерик; **вы́дать свои́х** ~**ов** ўз шерикларини айтиб (тутиб) бермоқ.

ЕДИНОМЫ́ШЛЕННИЦА *ж см.* **единомы́шленник.**

ЕДИНОНАЧА́ЛИЕ *с* яккабошчилик (биргина бошлиқ қўлидаги раҳбарлик).

ЕДИНОНАЧА́ЛЬНИК *м* яккабошчи (ёлғиз ўзи бошчилик қилувчи раҳбар).

ЕДИНООБРА́ЗИЕ *с* бир хиллик, ўхшашлик, бир қолипдалик, бир тахлитдалик.

ЕДИНООБРА́ЗНЫЙ, -ая, -ое; -зен, -зна бир хил, бир-бирига айнан ўхшаган, бир қолипдаги, бир тахлитдаги.

ЕДИНОПЛЕМЕ́ННИК *м высок.* бир қабилага (ёки халққа) мансуб киши, қабиладош.

ЕДИНОПЛЕМЕ́ННИЦА *ж высок. см.* **единоплеме́нник.**

ЕДИНОРО́Г *м* 1 *зоол.* яккашох, нарвал (тумшуғида шохсимон тиши бўлган китсимон денгиз ҳайвони); 2 бир шохли от тамға (муҳр, пул ва *ш. к.* да тасвирланган афсонавий ҳайвон); 3 стволида бир шохли афсонавий ҳайвон шакли бўлган қадимий замбарак, тўп.

ЕДИНОРО́ДНЫЙ, -ая, -ое *уст.* ёлғиз, арзанда.

ЕДИНОУТРО́БНЫЙ, -ая, -ое бир туғишган, бир қориндан талашиб тушган, онаси бир, отаси бошқа (ака-укалар, опа-сингиллар ҳақида).

ЕДИНСТВЕННО *нареч.* 1 бирдан-бир, биргина, ягона; ~ **возмо́жное реше́ние зада́чи** масалани ечишнинг мумкин бўлган бирдан-бир йўли; 2 *в знач. частицы* фақат, ёлғиз; ~ **потому́, что...** фақат шунинг учунки,...

ЕДИНСТВЕНН/ЫЙ, -ая, -ое 1 бирдан-бир, ёлғиз; якка-ягона; ~**ый сын** ёлғиз ўғил; ~**ый вы́ход** бирдан-бир йўл, биргина чора; **чте́ние —** ~**ое его́ заня́тие** унинг бирдан-бир эрмаги — ўқиш; 2 ажойиб, тенги (мисли) йўқ; ~**ый в своём ро́де** бошқа бунақаси йўқ; ✦ ~**ое число́** *грам.* бирлик, бирлик сон.

ЕДИ́НСТВО *с* 1 бирлик, бир хиллик, ўхшашлик, умумийлик; ~ **взгля́дов** қарашларнинг бирлиги (бир хиллиги, умумийлиги); 2 бирдамлик, ҳамжиҳатлик, бирлик; **мора́льно-полити́ческое** ~ **сове́тского наро́да** совет халқининг маънавий-сиёсий бирлиги; **моноли́тное** ~ монолит (ажралмас) бирлик; 3 бирлик, бирга қўшилганлик; ~ **тео́рии и пра́ктики** назария ва тажрибанинг бирлиги; ~ **фо́рмы и содержа́ния** шакл ва мазмун бирлиги.

ЕДИ́Н/ЫЙ, -ая, -ое 1 ягона, умумий, бирлашган; бирлаштирилган; яхлит, ажралмас; ~**ый план** умумий план; ~**ый фронт** (яхлит бир) фронт; 2 биргина, биттагина, бир; **ни** ~**ого зву́ка** чурк этган товуш йўқ; **не хле́бом** ~**ым жив челове́к** *погов.* бир товуққа ҳам дон керак, ҳам сув керак (*л. м.* одамнинг тириклиги биргина нон билан эмас); 3 умумий, бир, бир хил; ~**ое мне́ние** умумий фикр, бир хил фикр, бир фикр; ✦ **все до** ~**ого** ҳамма, барча, битта ҳам қолмай, беистисно.

ЕДК/ИЙ, -ая, -ое; е́док, едка́, е́дко; е́дче 1 аччиқ, ўткир; ўювчи, еювчи, ачиштирадиган; ~**ий дым** аччиқ тутун; ~**ая кислота́** ўювчи кислота; 2 *перен.* заҳарли, истеҳзоли, аччиқ; ~**ая ирО́ния** аччиқ киноя, истеҳзо.

ЕДКО *нареч.* ачитиб, кесатиб, истеҳзо билан.

ЕДКОСТЬ *ж* 1 аччиқлик, ўткирлик, ўювчанлик; 2 *перен.* аччиқлик (гап, сўз, киноя ва ш. к. ҳақида).

ЕДОК *м, р.* **-а́** 1 овқатланувчи ҳар бир киши, хўранда; жон; **накры́ть стол на де́сять** ~**о́в** ўн хўранда учун стол (дастурхон) тайёрламоқ; ...**семья́ у них на де́сять** ~**о́в** (Караваев)... уларнинг оиласи ўн жон; 2 *разг.* сертомоқ одам, хўра.

ЕДЧЕ *см.* **е́дкий.**

её 1 *см.* **она́; её нет до́ма** у уйда йўқ; **я ви́дел её** мен уни кўрдим; **у неё го́сти** уникида меҳмонлар бор; уникига меҳмонлар келган; 2 *мест. притяж.* унинг, уники; **её ребёнок** унинг боласи; **э́та кни́га её** бу китоб уники (у аёлники).

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЕЖ *м, р.* **ежа́** 1 типратикан, кирпи; 2 *воен.* ёж (танкларга қарши тўсиқ тури); 3 *в знач. нареч.* **ежо́м** *разг.* тиккайиб, ҳурпайиб (юнг, соч ҳақида); ✦ **морско́й ёж** денгиз типратикани.

ЕЖА *ж бот.* оқсўхта (ўт тури).

ЕЖЕВЕЧЕ́РНИЙ, -яя, -ее ҳар куни кечқурун (кечқурунлари) бўладиган, ҳар кечқурунги; **~е заня́тия** ҳар кечқурунги машғулотлар.

ЕЖЕВИ́КА *ж* маймунжон, пармачак (бута ва меваси).

ЕЖЕВИ́ЧНИК *м* маймунжонзор, пармачакзор.

ЕЖЕВИ́ЧН/ЫЙ, -ая, -ое маймунжонга, пармачакка оид; маймунжондан қилинган; маймунжон...; **~ое варе́нье** маймунжон мураббоси.

ЕЖЕГО́ДНИК *м* йилда бир марта чиқадиган тўплам; йиллик; **~ энциклопе́дии** энциклопедия йиллиги (йиллик тўплами).

ЕЖЕГО́ДНО *нареч.* ҳар йил(и), ҳар йилда; йил сайин; **он ~ е́здит на куро́рт** у ҳар йили курортга бориб туради.

ЕЖЕГО́ДНЫЙ, -ая, -ое ҳар йилги, йилда бир марта бўладиган (ўтказиладиган), йиллик; **~отчёт** йиллик ҳисобот.

ЕЖЕДНЕ́ВНЫ/Й, -ая, -ое 1 ҳар кунги, ҳар куни бўладиган (қилинадиган), кундалик; **~е за́писи** кундалик ёзувлар, ҳар куни олиб бориладиган ёзувлар; **~е упражне́ния** ҳар кунги (кундалик) машқлар; 2 одатдаги, оддий, доимий, кундалик; **~е хло́поты** кундалик ташвишлар.

ЕЖЕЛИ́ *союз. уст. то же, что* **е́сли.**

ЕЖЕМЕ́СЯЧНИК *м* ойлик, ойда бир чиқадиган журнал ёки тўплам.

ЕЖЕМЕ́СЯЧНО *нареч.* ҳар ой, ҳар ойда, ой сайин, ойма-ой; **~ плати́ть взно́сы** ойма-ой взнос тўламоқ.

ЕЖЕМЕ́СЯЧНЫЙ, -ая, -ое ойлик, ойда бир бўладиган, ҳар ойги; **~ журна́л** ойлик журнал.

ЕЖЕМИНУ́ТНО *нареч.* ҳар дақиқа, ҳар минут(да), минут сайин; тез-тез; бетўхтов, узлуксиз; минут (бир дақиқа) ҳам ўтмасдан; **~ напомина́ть** ҳар дақиқа эслатиб турмоқ; **~ звони́л телефо́н** телефон тўхтовсиз жиринглаб турарди.

ЕЖЕМИНУ́ТН/ЫЙ, -ая, -ое 1 ҳар минутли, ҳар минутда бўладиган; тез-тез бўлиб турадиган; **~ые напомина́ния** минут сайин эслатиб туриш; 2 доимий, узлуксиз; **~ая опа́сность** доимий хавф-хатар.

ЕЖЕНЕДЕ́ЛЬНИК *м* ҳафталик, ҳафтада бир чиқадиган журнал.

ЕЖЕНЕДЕ́ЛЬНО *нареч.* ҳар ҳафта, ҳафтада бир марта.

ЕЖЕНЕДЕ́ЛЬНЫ/Й, -ая, -ое ҳафтада бир бўладиган; ҳафталик; **~й журна́л** ҳафталик журнал; **~е заня́тия** ҳафтада бир бўладиган машғулот.

ЕЖЕНО́ЩНО *нареч.* ҳар кеча, ҳар тун.

ЕЖЕНО́ЩНЫЙ, -ая, -ое ҳар кеча бўладиган, ҳар тунги.

ЕЖЕСЕКУ́НДНО *нареч.* ҳар секунд, секунд сайин, тез, бетўхтов, узлуксиз.

ЕЖЕСЕКУ́НДНЫЙ, -ая, -ое 1 ҳар секундли, ҳар секундда (лаҳзада) бўладиган; 2 доимий, узлуксиз, тўхтовсиз.

ЕЖЕСУ́ТОЧНО *нареч.* ҳар кун, ҳар сутка, ҳар кечаю кундуз.

ЕЖЕСУ́ТОЧНЫЙ, -ая, -ое ҳар суткадаги, ҳар суткада (бир кеча-кундузи) бўладиган, бир суткалик; **~ расхо́д воды́** сувнинг бир суткалик сарфи.

ЕЖЕЧА́СНО *нареч.* ҳар соат, ҳар соатда, соат сайин.

ЕЖЕЧА́СНЫЙ, -ая, -ое 1 ҳар соатда бўладиган, соатлик; 2 доимий, узлуксиз.

ЕЖИК *м* 1 *уменьш.-ласк. от* **ёж** 1; 2 *чего* кирписоч, ёжик (эркакларда — калта қилиб қирқилган, диккайиб турадиган соч); 2 *в знач. нареч.* **~ом** ёжик қилиб; **постри́чься ~ом** сочни ёжик қилиб олдирмоқ.

ЕЖИ́ТЬСЯ *несов.* 1 (*сов.* **съёжиться**) жунжикмоқ, жунжимоқ, ғужанак бўлмоқ; 2 *перен. разг.* ботинмай турмоқ, сиқилмоқ.

ЕЖИ́ХА *ж* ургочи типратикан (кирпи).

ЕЖО́ВЫ/Й, -ая, -ое кирпига оид; типратикан...; **~е колю́чки** кирпи тиканлари, ✦ **держа́ть в ~х рукави́цах** *кого* қаттиқ қўллик қилмоқ, исканжада тутмоқ.

ЕЖОНО́К *м, р.* **-нка**, *мн.* **ежа́та** типратикан боласи, кирпи боласи.

ЕЗД/А́ *ж* 1 бориш, юриш; сафар (отда, аравада, машинада ва ҳ. к.); **верхова́я ~а́** отда юриш, от минib юриш; **~а́ на велосипе́де** велосипедда юриш; **дальня́я ~а́ на маши́не** машинада узоқ юриш (узоқ сафар); 2 вақт билдирувчи сўзлар билан «масофа», «йўл» маъноларини англатади; **отсю́да до го́рода два часа́ ~ы́** бу ердан шаҳаргача икки соатли йўл.

ЕЗДИ́ТЬ, е́зжу, е́здишь *несов.* 1 (*многокр.* **езжа́ть**) бормоқ, юрмоқ, бориб-келиб турмоқ, қатнамоқ (отда, аравада, машинада ва ҳ. к.); **~ верхо́м** отда юрмоқ, отга миниб юрмоқ; **он ча́сто е́здит за го́род** у шаҳар атрофига кўп боради; **я е́зжу на рабо́ту трамва́ем** мен ишга трамвайда бориб келаман; 2 (*многокр.* **езжа́ть**) *разг.* юрмоқ, ҳаракат қилмоқ, қатнамоқ; 3 (*многокр.* **езжа́ть**) бормоқ, келмоқ, ташриф буюрмоқ; **к ним никто́ не е́здит** уларникига ҳеч ким келмайди; 4 ҳайдашни билмоқ, ҳайдай олмоқ, бошқармоқ; **он уме́ет е́здить на автомаши́не** у машина ҳайдайди (машина ҳайдашни билади); 5 *перен. разг.* сирғанмоқ, сирпанмоқ, силжиб юрмоқ; **пла́нка е́здит по лине́йке** планка чизғич устида сирпанади, силжиб юради; ✦ **~ (верхо́м)** *на ком* бўйнига миниб олмоқ, ўз измига солиб олмоқ, айтганини қилдирмоқ.

ЕЗДК/А *ж, р. мн.* **-док** *прост.* бир бориб келиш, бориб қайтиш, қатнаш (транспорт воситалари ҳақида); **перевезти́ ве́щи в две ~и** юкни икки марта бориб келишда ташиб қўймоқ.

ЕЗДОВ/ОЙ, -а́я, -о́е 1 салт, миниладиган ёки аравага (чанага) қўшиладиган: **~а́я ло́шадь** салт, миниладиган ёки аравага қўшиладиган от; **~ы́е соба́ки** чанага қўшиладиган итлар; 2 *в знач. сущ.* **~о́й** *м* ездовой (тўпга қўшилган отларни ҳайдовчи солдат).

ЕЗДО́К *м, р.* **-а́** 1 от-улов минган ёки мингашиб кетаётган одам; отлиқ; йўловчи; 2 от-улов минишни, ҳайдашни биладиган одам; чавандоз ✦ **не ~ кто́ куда** *разг.* ҳеч бормайдиган (келмайдиган) бўлди; **...сюда́ я бо́льше не ~** (Грибоедов) Мен бу ерга иккинчи марта келмайман.

ЕЗЖА́ТЬ *несов. многокр. разг. см.* **е́здить** 1—3.

ЕЗЖЕН/ЫЙ, -ая, -ое *разг.* 1 минилган, минишга (ёки аравага қўшишга) ўргатилган; 2 юрилган, кўп қатналган; **~ая доро́га** юрилган йўл; кўп қатналган (синалган) йўл.

ой *см.* **она́**; **ей да́ли кни́гу** унга китобни беришди; **ей не́когда** унинг вақти йўқ; **к ней пришли́ подру́ги** уникига (унинг олдига) дугоналари келди.

ЕЙ-БО́ГУ *межд. разг.* худо ҳақи, худо урсин; чиндан, ростдан ҳам; **~, не зна́ю!** худо ҳақи, билмайман!; **Ширя́ев от глубины́ души́ сказа́л: «Ей-бо́гу, мно́го на све́те хоро́ших люде́й!»** (Вересаев) Ширяев чин қалбдан: «Худо ҳақи, (ростдан ҳам) дунёда яхши одамлар кўп!»— деди.

ЕЙ-Е́Й, ЕЙ-ЖЕ-Е́Й *межд. прост... то же, что* **ей-бо́гу.**

ЁКА/ТЬ *несов.* (*сов.* **ёкнуть**) ғўрқилламоқ, ғўрқ-ғўрқ (лўқ-лўқ) қилмоқ; **селезёнка ~ет (у ло́шади)** қорни ғўрқ-ғўрқ (лўқ-лўқ) қилади, ғўрқиллайди (от ҳақида); 2 *разг.* шув этиб кетмоқ, орқага тортиб кетмоқ, орзиқиб тушмоқ; **се́рдце ~ет при ви́де разруше́ний** вайроналикларни кўриб, юрак орқага тортиб кетади.

ЁКНУТЬ *сов. однокр. см.* **ёкать.**

ЕЛЕ *нареч.* 1 аранг, базўр, зўрға; **~ успе́л** аранг улгурди(м); **~ жив** зўрға тирибди, ўлай деб тирибди; 2 сал, сал-пал, аранг; ғира-шира; **~ слы́шный то́пот** аранг эшитилаётган оёқ товуши; ✦ **~~~ душа́ в те́ле** 1) ўлай-ўлай деб тирибди, ўлар ҳолатга етган, бурнидан тортсанг йиқилгудай, рамақижон. 2) омонат, зўрға тирибди, сал тортсанг йиқилгудай, жони йўқ.

ЕЛЕВЫ/Й *-ая, -ое* 1 *уст.* қорақарағайга оид; қорақарағай...; 2 *в знач. сущ.* **~е** *мн.*: **семе́йство ~х** қорақарағайлар оиласи.

ЕЛЕ́Й *м* 1 черковларда ишлатиладиган махсус зайтун мойи; 2 *перен.* роҳатбахш нарса, тасалли берадиган сўз, дардга даво малҳам.

ЕЛЕ́ЙН/ЫЙ, -ая, -ое 1 зайтун мойига оид, зайтун мойи...; 2 *перен.* чучмал, хушомадли, тилёламалик билан айтилган; риёкорона, мулойим; **~ая улы́бка** хушомадли илжайиш.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЕЛИКО: ~ **возмóжно** *уст.* и *шутл.* мумкин қадар, имкон (иложи) борича, қўлдан келганча, ҳол ва қудрат, баҳоли қудрат.

ЕЛК/А, *ж, р. мн:* **ёлок** 1 *то же, что* **ель**; 2 арча (ўйинчоқлар билан безатилган арча, шоҳи, тупи); 3 арча байрами; **пойти́ с детьми́ на** ~**у** болалар билан арча байрамига бормоқ; 4 *в знач. нареч.* ~**ой, в** ~**у** *то же, что* **ёлочкой, в ёлочку** *см.* **ёлочка.**

ЕЛО́В/ЫЙ, -ая, -ое қорақарағайга оид; қорақарағайдан қилинган; қорақарағай...; ~**ые дрова́** қорақарағай ўтин; ✦ **голова́** ~**ая** фаҳми йўқ, бефаҳм, овсар, галварс.

ЕЛО́ЗИТЬ, ело́жу, ело́зишь *несов. прост.* эмакламоқ, судралмоқ, судралиб юрмоқ

ЕЛО́ЧК/А *ж, р. мн.* **-чек** 1 *уменьш.-ласк. от* **ель**; 2 *в знач. нареч.* ~**ой, в** ~**у** бошоқ шаклида, бошоққа ўхшатиб; **вышива́ть** ~**ой** бошоққа ўхшатиб гул тикмоқ; 3 *спец.* машинада сут соғиш учун жиҳозланган майдонча.

ЕЛО́ЧНЫ/Й, -ая, -ое арчага, арча байрамига оид; арчани ясатиш учун белгиланган; арча...; ~**е игру́шки** арча безаклари.

ЕЛЬ *ж* қорақарағай.

ЕЛЬНИ́К *м* 1 қорақарағай ўрмони, қорақарағайзор; 2 қарағайнинг кесилган шохлари.

ЕМК/ИЙ, -ая, -ое; ёмок, ёмка кўп нарса эълтадиган (сиғдирадиган), сиғими катта, сиғимли, катта ҳажмли; ~**ая посу́да** сиғимли идиш.

ЕМКОСТ/Ь *ж* 1 сиғим, ҳажм, катталик; эълтиш; ~**ь бо́чки** бочканинг сиғими; 2 *мн.* ~**и** *спец.* идиш (махсус идишлар); ~**и для не́фти** нефть сақланадиган идишлар (мас., цистерна ва ҳ. к.); ~**и для сыпу́чих материа́лов** сочилувчан материаллар сақланадиган идишлар; ✦ **электри́ческая** ~**ь** *физ.* электр сиғими.

ему́ *см.* **он; скажи́те** ~ унга айтинг; ~ **всё равно́** унга барибир; ~ **и де́ла нет** унинг иши йўқ, унинг парвойига ҳам келмайди; **к нему́ пришли́ друзья́** уникига (унинг олдига) ўртоқлари келди.

ЕНДОВА́ *ж* 1 қадимги Русда: ичкилик қўйиладиган тумшуқчали катта ясси идиш; 2 *тех.* томнинг қирраси.

ЕНО́Т *м* енот (1 сарғиш-кўл ранг муйнали кичкина ҳайвон; 2 шу ҳайвон териси, мўйнаси ва ундан қилинган буюм).

ЕНО́ТОВ/ЫЙ, -ая, -ое енотга оид; енот... ~**ая шу́ба** енот пўстин.

ЕПА́НЧА *ж* қадимги узун, кенг плашч, ёпинчиқ.

ЕПАРХИА́ЛЬНЫЙ, -ая, -ое епархияга оид; епархия...; епархиал.

ЕПА́РХИЯ *ж* епархия (архиерей қўл остидаги черков округи); **э́то уже́ не моя́** ~ *перен. разг. шутл.* бунга менинг дахлим йўқ; бу менинг қўлимда эмас.

ЕПИ́СКОП *м* епископ (христианларда: руҳонийларнинг олий унвони ва шу унвондаги руҳоний; архиерей).

ЕПИТИМЬЯ *ж, р. мн.* **-ий** *церк.* кафорат (гуноҳкорларга черков томонидан бериладиган жазо — узоқ тоат-ибодат қилдириш рўза тутдириш ва ҳ. к.).

ЕПИТРАХИ́ЛЬ *ж церк.* епитрахиль (христиан руҳонийлари либосининг бир қисми — бўйнига солиб юриладиган узун мато).

ЕРАЛА́Ш *м* 1 *разг.* боши-кети йўқ тартибсизлик, чигаллик, чалкашлик; аралаш-куралашлик; 2 ералаш (карта ўйинининг эски бир тури).

ЕРЕПЕ́НИТЬСЯ *несов. прост.* зардаси қайнаб туриб олмоқ, кажбаҳслик қилмоқ, жаҳл билан терслик қилмоқ.

ЕРЕСЬ *ж* 1 бидъат (ҳукмрон дин ақидаларига хилоф иш, ҳаракат ёки таълимот); 2 *перен. разг.* умумий тартиб-қоидаларга, одатдаги қарашларга хилоф иш, гап, фикр; 3 *перен. прост.* беҳуда (бемаъни) гап, сафсата.

ЕРЕТИ́К *м, р.* **-а́** 1 бидъатчи; 2 *перен.* умумий тартиб-қоидаларга, одатдаги қарашларга хилоф фикр юритувчи, иш тутувчи киши бидъатчи.

ЕРЕТИ́ЧЕСКИЙ, -ая, -ое бидъатга оид; бидъатдан иборат бўлган, бидъат деб қараладиган.

ЕРЕТИ́ЧКА *ж, р. мн.* **-чек** *см.* **еретик.**

ЕРЗАТЬ *несов.* типирчиламоқ, нотинч ўтирмоқ, ўтирган ерда қимирлайвермоқ.

ЕРМО́ЛКА *ж, р. мн.* **-лок** сип-силлиқ (каржсиз, чўққисиз) дўппи, каллапўш, тақя.

ЕРОШИ́ТЬ *несов.* (*сов* **взъеро́шить**) *что разг.* 1 тутамламоқ, тутамлаб пахмоқ қилмоқ (сочларини, соқолини); 2 ҳурпайтирмоқ, диккайтирмоқ; ~ **пе́рья** патларини ҳурпайтирмоқ.

ЕРОШИ́ТЬСЯ, -ится *несов.* (*сов.* **взъеро́шиться**) *разг.* 1 ҳурпаймоқ, диккаймоқ, патларини ҳурпайтирмоқ; 2 тўзимоқ; пахмоқ бўлиб турмоқ (соч-соқол ҳақида).

ЕРУНДА́ *ж разг.* 1 бемаъни (беҳуда) гап, бўлмаган гап, бемаънигарчилик; 2 арзимаган нарса, иш; 3 ҳечқиси йўқ, ҳеч гап эмас; **э́то для меня́** ~ бу менга ҳеч гап эмас; **си́льно у́шибся?— Нет,** ~**!** қаттиқ урилдингми?— Йўқ, унчалик эмас!;— Ҳечқиси йўқ!

ЕРУНДИ́ТЬ, -и́шь *несов. прост.* бемаъни гап гапирмоқ, бемаънигарчилик қилмоқ.

ЕРУНДО́ВСКИЙ, -ая, -ое *прост.* 1 бемаъни, бўлмағур; 2 арзимаган, аҳамиятсиз; ~ **вопро́с** арзимаган масала.

ЕРШ I *м, р.* **ерша́** ёрш (бир турли майда серқилтаноқ балиқ); 2 юмалоқ симчўтка (лампа шишаси ва ҳ. к. тозалаш учун); 3 *в знач. нареч.* **ершо́м** тикка, ҳурпайиб, диккайиб (соч ҳақида).

ЕРШ II *м, р.* **ерша́** *разг.* селава (арақ билан май ёки пиво аралашмаси).

ЕРШИ́СТЫ/Й, -ая, -ое *разг.* 1 ҳурпайган, диккайган, ҳурпайиб (диккайиб) турадиган, тик; ~**е во́лосы** ҳурпайган соч; 2 *перен.* гапини бермайдиган, бир гапдан қолмайдиган, бўш келмайдиган, али деса, бали дейдиган.

ЕРШИ́ТЬ *несов. что разг.* ҳурпайтирмоқ, диккайтирмоқ.

ЕРШИ́ТЬСЯ *несов. разг.* 1 ҳурпаймоқ, диккаймоқ; 2 *перен.* айтишмоқ, гапини бермаслик, бир гапдан қошмаслик.

ЕРШО́В/ЫЙ, -ая, -ое ёрш балиғига оид; ёрш балиғидан тайёрланган, ёрш...; ~**ая уха́** ёрш балиғидан пиширилган шўрва.

ЕСАУ́Л *м* ясовул (казак ҳарбий қисмларида: капитан даражасига тенг офицерлик унвони ва шу унвонга эга бўлган киши).

ЕСАУ́ЛЬСКИЙ, -ая, -ое ясовулга оид; ясовул...; ~ **чин** ясовул унвони.

ЕСЛИ́ *союз усл.* агар, агарда, бордию; модомики; башарти, мабодо; ...са; ~ **зна́ешь, скажи́** (агар) билсанг, айт; ~ **я прошу́, то, зна́чит, э́то необходи́мо** модомики сўраётган экаиман, демак зарур (бесабаб эмас); ~**бы** ...са эди, қани энди, кошки эди; ~ **бы он знал, то пришёл бы** у билса (билганда) эди, келарди; ~..., **то** агар..., са; ~ **оди́н поёт, то друго́й непло́хо рису́ет** (агар) бири ашула айтса, иккинчиси яхшигина расм чизади; ✦ ~ **бы да ка́бы** *разг. шутл.* агар-магар; ~ **хоти́те (хо́чешь)** *в знач. вводн. сл.* агар истасангиз...; керак бўлсам, ахборотингиз учун...

ЕСТЕ́СТВЕННИК *м* табиатшунос, табиатшунослик мутахассиси.

ЕСТЕ́СТВЕННИЦА *ж см.* **есте́ственник.**

ЕСТЕ́СТВЕННО *нареч.* 1 табиий равишда (суратда) ўз-ўзидан; 2 *в знач. вводн. сл.* табиий, албатта, шубҳасиз; турган гап; **мы,** ~**, подде́ржим инициати́ву масс** биз оммани ташаббусини, табиий, қўллаб-қувватлаймиз.

ЕСТЕ́СТВЕНН/ЫЙ, -ая, -ое 1 табиий, табиатда бўлган; табиатдаги; табиат...; ~**ые явле́ния** табиий ҳодисалар; ~**ые усло́вия** табиий шароитлар; ~**ые бога́тства** табиий бойликлар; ~**ая грани́ца** табиий чегара (дарё, тог тизмаси ва ш. к. дан иборат чегара); ~**ые нау́ки** табиий фанлар, табиатшунослик фанлари; 2 табиий, табиат қонунларига мувофиқ содир бўлган (бўладиган); ~**ая смерть** ўз ажали билан ўлиш, табиий ўлим; 3 нормал, аслида (табиатида) бўлган, табиий; тугма; ўз; ~**ый цвет ко́жи** баданнинг табиий (ўз) ранги; 4 нормал, ўринли, ўз ўзидан келиб чиқадиган; ~**ый вы́вод** ўз-ўзидан келиб чиқадиган хулоса; 5 оддий, одатдаги, табиий; **приня́ть** ~**ую по́зу** одатдаги вазиятда турмоқ, оддий (табиий) вазият олмоқ.

ЕСТЕСТВО́ *с* 1 *книжн.* моҳият; табиий хосса; ~ **вопро́са** масаланинг моҳияти; 2 *уст.* табиат, борлиқ.

ЕСТЕСТВОВЕ́Д *м то же, что* **есте́ственник.**

ЕСТЕСТВОВЕДЕ́НИЕ *с то же, что* **естествозна́ние.**

ЕСТЕСТВОЗНА́НИЕ *с* табиатшунослик (табиат ҳодисалари ва қонуниятлари ҳақидаги фан).

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЕСТЕСТВОИСПЫТАТЕЛЬ *м* табиат ҳодисаларини текширувчи, тадқиқ қилувчи олим; табиат фанлари мутахассиси; табиатшунос.

ЕСТЬ I, ем, ешь, ест, едим, едите, едят; ел, ела; ешь (те) *несов.* 1 (*сов.* **поесть и съесть**) *кого-что* емоқ, емоқ-ичмоқ, тановул қилмоқ, овқатланмоқ; ~ **хлеб** нон емоқ; ~ **суп** шўрва ичмоқ; **хочется** ~ овқатлангим келяпти; қорин очди; 2 (*сов.* **съесть**) *кого-что* овқатга ишлатмоқ, истеъмол қилмоқ, емоқ; **он не ест дичи** у овланган ҳайвон (ёки қуш) гўштини емайди; 3 *кого-что* и *без доп.* чақмоқ; емоқ; **мошки едят** чивин чақиб (еб) ташлаяпти; **моль ест шерстяные изделия** куя жун кийимларни ейди; 4 *перен. кого разг.* емоқ, адо қилмоқ; 5 (*сов.* **съесть**) *что* емоқ, уймоқ; ачитмоқ; **ржавчина ест железо** занг темирни ейди; **дым ест глаза** тутун кўзларни ачитади (ачитяпти); 6 (*сов.* **съесть**) *перен. прост. кого* уришавермоқ, жонга тегмоқ; ✦ ~ **глазами** *шутл.* кўз билан еб қўяй демоқ, тикилиб қарамоқ, кўз узмай суқланиб қараб қолмоқ; ~ **просит** *разг. шутл.* йиртилиб қолди, пора сўраяпти (оёқ кийими ҳақида); ~ **чужой хлеб** бировнинг нонини емоқ, бировнинг ҳисобига яшамоқ; **ешь — не хочу** *прост.* сен же, мен же, қолганини томга ташла!

ЕСТЬ II 1 -тур, -дир; иборат; **что ~ истина?** ҳақиқат нима; ҳақиқат нимадан иборат?; **диалектический материализм ~ мировоззрение марксистско-ленинской партии** диалектик материализм марксча-ленинча партияларнинг дунёқарашидир; 2 бор, мавжуд; йўқ эмас; ~ **что рассказать** айтиб (ҳикоя қилиб) бериладиган анча нарса бор; ~ **все условия** ҳамма шароитлар бор (мавжуд); ✦ ~ **такое дело** *прост.* 1) бўпти; хўп бўлади; шундай қиламиз; 2) ҳа, чиндан ҳам; ...**и** ~ *прост.* ҳақиқатан ҳам, худди шундай; **ты чудак!— Чудак и** ~**!** ғалати экансан!— Худди шундай, ғалатиман!

ЕСТЬ III *межд. воен.* есть, хўп бўлади; **Будете командовать батальоном.— Есть командовать батальоном, товарищ генерал** (Бек) Батальонга командирлик қиласиз.— Есть ўртоқ генерал, батальонга командирлик қиламан.

ЕФРЕЙТОР *м* ефрейтор (солдатларга бериладиган унвон ва шу унвондаги солдат).

ЕФРЕЙТОРСК/ИЙ, -ая, -ое ефрейторга оид; ефрейтор...; ефрейторлик...; ~**ое звание** ефрейтор(лик) унвони.

ЕХАТЬ, еду, едешь *несов.* 1 бормоқ, келмоқ, юрмоқ (бирор транспорт воситасида); ~ **верхом на лошади** отга миниб бормоқ; ~**на метро** метрога тушиб бормоқ, метрода бормоқ; 2 *разг.* бормоқ, келмоқ; бораётмоқ, келаётмоқ, кетаётмоқ; **по дороге едет повозка** йўлдан арава кетаётибди; 3 жўнамоқ, бормоқ, кетмоқ, йўл олмоқ; ~ **в командировку** командировкага бормоқ; **мы завтра едем в Москву** биз эртага Москвага кетамиз (жўнаймиз); ~ **в город** шаҳарга бормоқ; 4 *разг.* сирпанмоқ, сирғанмоқ, силжиб юрмоқ, тоймоқ; **галстук едет набок** галстук бир томонга қийшайиб кетаяпти; 5 *перен. на ком-чём то же, что* **выезжать** I, 3 *см.* **выехать** 3; ✦ **дальше ~ некуда** бундан ортиқ бемазагарчилик бўлмайди, бундан баттарроқ бўлиши мумкин эмас.

ЕХИДА *м* и *ж прост. то же, что* **ехидна** 3.

ЕХИДНА *ж* 1 ехидна (Австралияда ва унинг атрофидаги баъзи оролларда яшайдиган кирписимон жонивор); 2 ехидна (Австралияда яшайдиган заҳарли илон); 3 *перен. разг.* тили аччиқ одам; писмиқ.

ЕХИДНИЧАТЬ *несов.* (*сов.* **съехидничать**) *разг.* ачитиб гапирмоқ, ништар суқмоқ, истеҳзо қилмоқ; писмиқлик қилмоқ.

ЕХИДНО *нареч.* ачитиб, ништар суқиб, истеҳзо билан; писмиқлик билан; ~ **улыбаться** истеҳзо билан кулмоқ.

ЕХИДН/ЫЙ, -ая, -ое; -ден, -дна 1 тили аччиқ, заҳар; писмиқ; ~**ый человек** тили аччиқ (заҳар) одам; писмиқ одам; 2 истеҳзоли; писмиқ; ~**ые вопросы** писмиқ саволлар; ~**ая улыбка** истеҳзоли табассум, истеҳзоли кулги.

ЕХИДСТВО *с* тили аччиқлик, заҳарлик; писмиқлик.

ЕХИДСТВОВАТЬ *несов. разг. то же, что* **ехидничать.**

ЕХИДЦ/А: с ~ей *разг. то же, что* **ехидно; ответить с ~ей** истеҳзо билан жавоб бермоқ; писмиқлик билан жавоб бермоқ.

ЕЩЁ *нареч.* 1 яна, тағин; қўшимча равишда, қўшимча қилиб; қайтадан; **прочитать ~ раз** яна бир марта ўқимоқ; 2 -оқ, -ёқ, аллақачон; ~ **в детстве** болалагидаёқ, болалик вақтидаёқ; ~ **в прошлом году** ўтган йилиёқ; **она отнесла книгу ~ десять дней тому назад** у китобни бундан ўн кун бурунроқ олиб бориб берган; 3 ҳали, ҳали ҳам, ҳалигача, шу вақтгача, шу вақтга қадар, ҳануз; ҳозирча; **я ~ не устал** мен ҳали (ҳозирча) чарчамадим, мен ҳали чарчаганимча йўқ; 4 ҳали; **я ~ успею на поезд** мен ҳали поездга улгураман (илинаман); **он ~ молод** у ҳали ёш; 5 яна ҳам, яна-да; -дан ҳам, -роқ; ~ **сильнее** яна ҳам кучли (кучлироқ); **наши города стали ~ краше** шаҳарларимиз янада (бундан, ҳозиргидан ҳам) кўркам бўлади; 6 *в знач. частицы* олмошлардан ва равишлардан кейин фикрни кучайтириб келади; **как ~ хорошо!** қандай яхши!; қандай ажойибки! яхши бўлганда қандай!; ✦ ~ **бы** *разг.* 1) бўлмаса-чи, албатта, турган гап; **пойдёшь с нами?— Ещё бы!** биз билан борасанми?— Бўлмасачи!; 2) қани, қилиб кўрсинчи; ~ **бы он отказался!** қани, рад қилиб кўрсин-чи!; қани рад қилиб кўрсин, нима бўлар экан!; **вот ~!** *разг.* буни қаранг, а!, шуниси етмай турган эди!; **всё ~** ҳали ҳам, ҳалигача, ҳануз, ҳамон; ~ **какой** *разг.* ...қандай дейсиз; ~ **ничего** бу ҳали ҳолва, бу ҳали ҳеч нарса (ҳеч гап) эмас; **нет ~** ҳали йўқ, ҳозирча йўқ.

ею *см.* **она; учитель доволен ею** ўқитувчи ундан хурсанд; **письмо написано ею** хат унинг томонидан ёзилган, хатни у ёзган.

Ж

Ж I *см.* **же** I.

Ж II *см.* **же** II.

ЖАБА I *ж* чўлбақа, қурбақа.

ЖАБА II *ж:* **грудная ~** *уст.* юрак сиқилиш **касаллиги**, стенокардия.

ЖАБЕРН/ЫЙ, -ая, -ое *прил. от* **жабры** ойқулоққа оид; ойқулоқ...; ойқулоқли.

ЖАБ/ИЙ, -ья, -ье қурбақага (чўлбақага) оид; чўлбақа...; қурбақа...; ~**ья кожа** чўлбақа териси.

ЖАБО *с нескл.* жабо (ёқанинг четидаги тўр ёки матодан қилинган бурма ҳошия).

ЖАБРЫ *мн.* (*ед.* **жабра** *ж*) ойқулоқ; ✦ **брать (взять) за ~** *прост.* исканжага (қистовга) олмоқ, мажбур этмоқ, зўрламоқ.

ЖАВЕЛЕВ: ~а вода *то же, что* **жавель.**

ЖАВЕЛЬ *м* жавель (газлама оқартириш, кир ювиш учун ишлатиладиган сариғиш-яшил ранг хлорли эритма).

ЖАВОРОНОК *м, р.* **-нка** 1 гўрғай, сўфитўрғай; 2 қушнусха бўлка нон.

ЖАВОРОНОЧН/ЫЙ, -ая, -ое тўрғайга (сўфитўрғайга) оид; тўрғай..., сўфитўрғай...

ЖАДИНА *м* и *ж прост.* ўтакетган қурумсоқ одам, қизғанчиқ, зиқна, хасис.

ЖАДНЕТЬ *несов. разг.* хасислашмоқ, қурумсоқ (зиқна, қизғанчиқ) бўлиб бормоқ.

ЖАДНИЧАТЬ *несов. разг.* очкўзлик қилмоқ, суқлик қилмоқ; қурумсоқлик қилмоқ, қизғанмоқ, аямоқ; хасислик (бахиллик, зиқналик қилмоқ).

ЖАДНО *нареч.* 1 очкўзлик билан, суқлик билан; очкўзлик қилиб; 2 зўр иштиёқ билан, ташналик билан, қизиқиб; 3 қурумсоқлик билан, хасислик (бахиллик, зиқналик) билан, қизғаниб.

ЖАДНОСТЬ *ж* 1 очкўзлик, суқлик; 2 ҳирс, иштиёқ, ҳавас; 3 қурумсоқлик, хасислик, бахиллик, зиқналик, қизғанчиқлик.

ЖАДНЫЙ, -ая, -ое; -ден, -дна 1 очкўз, суқ; муккасидан кетган; ~ **до еды** ебтўймас; 2 иштиёқманд, ҳирс қўйган; ~ **до работы** ишга иштиёқманд (иштаҳаси зўр); 3 қурумсоқ, хасис, бахил, зиқна, қизғанчиқ; ~**человек** қурумсоқ одам, хасис (қизғанчиқ) одам.

ЖАДЮГА *м* и *ж прост. то же, что* **жадина.**

ЖАЖД/А *ж* 1 чанқоқлик, ташналик; сувсаш, чўллаш,

www.ziyouz.com kutubxonasi

чанқаш, чанқоқ; **чу́вствовать ~у** ташна бўлмоқ, чанқамоқ; **утоли́ть ~у** чанқоқни босмоқ; 2 *перен. чего* и *с неопр.* зўр истак, орзу, иштиёқ, ҳавас; ташналик; орзумандлик; **~а сча́стья** бахтга эришиш орзуси, иштиёқи; **~а зна́ний** илмга ташналик.

ЖА́ЖДАТЬ *несов.* 1 *уст.* чанқамоқ, ташна бўлмоқ, сувсамоқ, чўлламоқ; 2 *перен. чего* и *с неопр. высок.* орзуманд бўлмоқ, зўр иштиёқ билан орзу қилмоқ, қаттиқ истамоқ; зориқмоқ; **~ побе́ды** ғалабага эришишни орзу қилмоқ.

ЖА́ЖДУЩИЙ, -ая, -ее 1 чанқаган, сувсаган, ташна; 2 *перен.* қаттиқ истовчи, орзуманд, иштиёқманд, ташна.

ЖАКА́Н *м* жакан (ов милтиги учун махсус ўқ).

ЖАКЕ́Т *м* 1 *уст.* эркаклар нимчаси, калта камзули; 2 жакет (аёллар кийими).

ЖАКЕ́ТКА *ж, р.* **-ток** *разг. то же, что* **жаке́т** 2.

ЖАКО́ *м нескл.* жако (Африка тўтиси).

ЖАЛЕ́ЙКА, *ж, р. мн.* **-е́ек** жалейка (пуфлаб чалинадиган халқ чолғу асбоби).

ЖАЛЕ́/ТЬ *несов.* (*сов.* **пожале́ть**) 1 *кого-что* аямоқ, ачинмоқ, раҳм-шафқат қилмоқ, раҳми келмоқ; **~ть сироту́** етимга раҳми келмоқ; 2 *о ком-чём* или *с союзом* **что** афсус қилмоқ, афсусланмоқ, ачинмоқ; **~ть о поте́рянном вре́мени** бекор кетган вақтга ачинмоқ; **он ~л, что опозда́л на приём** қабулга кечикканига ачинди; 3 *кого-что* или *чего* қизғанмоқ, аямоқ; **~ть де́нег** пулни аямоқ, пулни қизғанмоқ; 4 *кого обл.* севмоқ, яхши кўрмоқ; ✦ **не ~я сил** (рабо́тать, труди́ться) кучни аямай, фидокорона (ишламоқ).

ЖАЛИ́ТЬ *несов.* (*сов.* **ужа́лить**) 1 *кого-что* найзасини санчмоқ, чақмоқ; 2 ачитмоқ; санчилиб кирмоқ (ўт, тикан ҳақида).

ЖАЛИ́ТЬСЯ I *несов. прост.* и *обл. то же, что* **жа́лить.**

ЖАЛИ́ТЬСЯ II *несов. обл. то же, что* **жа́ловаться.**

ЖА́ЛК/ИЙ, -ая, -ое; -лок, -лка́, -лко 1 аянч, аянчли, ачинарли, кишини ачитирадиган; ночор, ожиз; рўдапо; **находи́ться в ~ом состоя́нии** ачинарли аҳволда бўлмоқ, ночор аҳволда бўлмоқ; **~ое существо́** ночор (ожиз) одам, бечора; 2 *уст.* юракни эзадиган, раҳмини келтирадиган; ожизона; **~ие слова́** юракни ачитадиган (раҳмини келтирадиган) сўзлар; **~ая улы́бка** ожизона илжайиш; 3 ночор, кўримсиз, ёмон, фақирона, ғарибона; **Костю́м мой был жа́лок...** (Достоевский) Кийимим ночор эди...; 4 арзимаган, жуда оз; **~ие результа́ты** арзимаган натижалар; 5 паст, жирканч, разил, манфур; **игра́ть ~ую роль** манфур (жирканч) роль ўйнамоқ.

ЖАЛКО́ 1 *нареч.* аянч аҳволда, ачинарли ҳолатда, аянчли бир ҳолда; **~ вы́глядеть** аянчли (бир ҳолда) кўринмоқ; **~ улыбну́ться** аянчли жилмайиб қўймоқ; 2 *то же, что* **жаль.**

ЖА́ЛО *с* 1 ниш, найза (ари, чаён каби чақадиган ҳашарот-жониворларда); 2 *разг.* илоннинг тили; 3 *перен. чего книжн.* ништар, найза; **~ сати́ры** сатира ништари; 4 найза; тиғ; уч; **~ копья́** найзанинг учи; **~ косы́** ўроқ тиғи.

ЖАЛОБ/А *ж* 1 шикоят, норозилик, арз; арз-дод, ҳасрат-надомат, зорланиш, нолиш; **го́рькая ~а** аччиқ ҳасрат-надомат, куйиб-пишиб шикоят (арз-дод) қилиш; **~ы на одино́чество** ёлғизликдан зорланиш; 2 шикоят, шикоятнома; **подава́ть ~у** шикоят қилиб ариза бермоқ; **кни́га ~** шикоят дафтари.

ЖАЛОБИТЬСЯ *несов. обл. то же, что* **жа́ловаться.**

ЖАЛО́БНО *нареч.* ғамгинлик билан, ҳасратланиб, ғамгин, мунгли оҳангда; **~ проси́ть** ялиниб сўрамоқ, ёлвормоқ; **~ петь** мунгли оҳангда (оҳанг билан) куйламоқ.

ЖАЛО́БН/ЫЙ, -ая, -ое; -бен, -бна 1 аянч, қизғанч, ачинарли, юракни эзадиган, кишининг раҳмини келтирадиган; мунгли, ҳазин; **~ый плач** одамнинг раҳмини келтирадиган йиғи; **~ая пе́сня** мунгли қўшиқ; 2 шикоятга оид; шикоят...; **~ая кни́га** шикоят дафтари.

ЖАЛО́БЩИК *м* шикоят қилган (ёзган) киши, шикоятчи, арзчи; аризабоз.

ЖАЛО́БЩИЦА *ж. см.* **жа́лобщик.**

ЖАЛОВАНН/ЫЙ, -ая, -ое 1 *ист.* инъом (тортиқ) қилинган, совға (тортиқ) тариқасида берилган; **~ая во́тчина** инъом қилинган ер-мулк (амлок); **~ая гра́мота** имтиёз ҳуқуқи тўғрисидаги ёрлиқ, даркон ёрлиғи; 2 *уст.* мукофотланган, тақдирланган.

ЖАЛОВАНЬЕ *с* 1 *уст. по гл.* **жа́ловать** 1; 2 маош, ойлик, иш ҳақи, мояна.

ЖАЛОВА́ТЬ *несов.* 1 (*сов.* **пожа́ловать**) *кого чем* или *кому что уст.* инъом (тортиқ, ҳадя) қилмоқ, сийламоқ, мукофотламоқ; мукофот тариқасида бермоқ; **~ шу́бой** пўстин ҳадя қилмоқ; **~ во́тчину** ер-мулк инъом қилмоқ; 2 (*сов.* **пожа́ловать**) *кого уст.* унвон ёки амал бермоқ; кўтармоқ; **~ в офице́ры** офицерлик унвони бермоқ; 3 *кого-что* илтифот қилмоқ, мурувват (марҳамат) қилмоқ, эътибор бермоқ; **прошу́ люби́ть да ~** марҳамат ва илтифот кўрсатгайсиз; 4 (*сов.* **пожа́ловать**) *уст.* йўқламоқ, йўқлаб келмоқ (бормоқ); қадам ранжида қилмоқ; **давно́ он к нам не жа́лует** кўп вақтдан бери у бизникига келмайди.

ЖАЛОВА́ТЬСЯ *несов.* (*сов.* **пожа́ловаться**) 1 *на кого-что* шикоят қилмоқ, ҳасрат қилмоқ, зорланмоқ, нолимоқ; **~ на одино́чество** ёлғизликдан нолимоқ; **~ на судьбу́** тақдиридан нолимоқ; 2 *на кого-что* шикоят (арз) қилмоқ; 3 *на кого* и *без доп.* чақмоқ, чақимчилик қилмоқ.

ЖАЛОНО́СНЫЙ, -ая, -ое *зоол.* найзали, ниши, чақадиган.

ЖАЛОСТЛИВОСТЬ *ж разг.* 1 раҳмдиллик, кўнгилчанлик; 2 аянчлилик.

ЖАЛОСТЛИВЫЙ, -ая, -ое *разг.* 1 раҳмдил, шафқатли, кўнгилчан; 2 аянчли.

ЖАЛОСТНЫЙ, -ая, -ое; -тен, -тна *разг.* 1 ачинарли, аянчли; ғамгин, ҳазин, мунгли; **~ моти́в** мунгли оҳанг; 2 меҳр-шафқатли, раҳмдил, кўнгилчан; меҳр-шафқат ифодаловчи; **~ взгля́д** ачиниб қараш.

ЖАЛОСТ/Ь *ж* 1 раҳм, шафқат; раҳмдиллик, кўнгилчанлик; **из ~и** раҳми келиб, раҳмдиллик юзасидан; 2 таассуф, ачиниш; ✦ **кака́я ~ь!** эсизгина!, эсиз!, аттанг-а!

ЖАЛЬ 1 *безл. в знач. сказ. кого-что* или *с неопр.* одамнинг раҳми келади, ачинади; **мне ~ его́** унга раҳмим келади, унга ачинаман; **~ смотре́ть, како́й он худо́й** у шундай озғин (ориқ)ки, кўриб раҳминг келади; 2 *безл. в знач. сказ. кого-что* и *кого-чего* эсиз, афсус, аттанг, ҳайф; **~ поте́рянного вре́мени** эсиз вақт бекор кетди; вақт бекор кетганига афсусланаман (ачинаман); 3 *безл. в знач. сказ.* афсуски; кўнгилдагидек бўлмайди, кўнгил тўлмайди; **~, что он не пришёл** афсуски у келмади; **~, е́сли он не придёт** агар у келмаса, кўнгил тўлмайди; 4 *безл. в знач. сказ. чего* или *с неопр.* қизғанади, аяйди, раво кўрмайди; **ему́ ~ де́нег** у пулни қизғанади; у пулини аяйди; 5 *в знач. вводн. сл.* афсус, афсуски; **пое́хал бы, но, ~, на́до гото́виться к соревнова́ниям** афсуски бора олмайман, чунки мусобақага тайёрланишим керак.

ЖАЛЮЗИ́ *с нескл.* жалюза (ёғоч дарпарда, чий парда ва ш. к.).

ЖАНДА́РМ *м* жандарм (жандармерияда хизмат қилувчи полициячи); **~ наро́дов** *перен.* халқлар жандарми (бошқа халқларнинг ва мамлакатларнинг ишига аралашувчи, уларга куч билан тазйиқ қилувчи реакцион давлат).

ЖАНДАРМЕ́РИЯ *ж собир.* жандармерия (буржуа давлатларида: революцион ҳаракатга қарши курашувчи сиёсий полиция).

ЖАНДА́РМСКИЙ, -ая, -ое жандармерияга ва жандармга оид, хос; жандармерия...; жандарм(лар)...

ЖАНР *м* 1 жанр (шакл ва мазмуи жиҳатдан ўзига хос белгилар бирлигига эга бўлган санъат асари тури); **лири́ческий ~** лирик(а) жанр(и); **коме́дийный ~** комедия жанри; 2 жанр (турмуш манзараларини акс эттирган бадиий асар ёки расм); **вы́ставка пейза́жей и ~ов** манзаралар ва жанрлар виставкаси; 3 усул, услуб, йўл; **э́то в его́ ~е** бу унинг йўли (услуби); бу ундан келган (келадиган) иш.

ЖА́НРИСТ *м* жанрист (турмуш манзараларини тасвирловчи рассом).

ЖА́НРОВ/ЫЙ, -ая, -ое жанрга оид; турмуш манзараларини акс эттирган; жанр...; **~ые разнови́дности иску́сства** санъатнинг жанр турлари; **~ая жи́вопись** турмуш манзараларини акс эттирган расмлар.

ЖАР *м* 1 иссиқ, ҳарорат; **лицо́ о́бдало ~ом** юз(и)га иссиқ урилди; 2 иссиқ; иссиқ жой; жазирама; **дневно́й ~** кун қизиғи; **в ко́мнате нестерпи́мый ~** уй (хона) чидаб бўлмайдиган иссиқ; 3 *разг.* чўғ, лаққа чўғ; **убра́ть ~ из-под котла́** қозон тагидаги ўчоқдаги чўғни олиб ташламоқ; 4

www.ziyouz.com kutubxonasi

иситма, ҳарорат; **у ребёнка ~** боланинг иситмаси бор; 5 қизиш, қизиғиш, қизариш. лов этиб ёниш, тутақиш; **почу́вствовать ~ на щека́х** икки юзи қизармоқ; **броса́ет то в ~, то в хо́лод** 1) гоҳ иситма тутади, гоҳ совуқ қалтиратади; 2) гоҳ қизишиб (тутақиб) кетади (лов этиб ёнади), гоҳ ҳовуридан тушиб қолади; 6 *перен.* ўт, ўғит, қўр; ғайрат; **вложи́ть в люби́мое де́ло весь ~ свое́й души́** севикли ишга бутун юрак қўрини бағишламоқ; 7 *перен. чего* қизғинлик, қизиган пайт; ғайрат; **в ~у́ сраже́ния** жанг қизиган пайтда, жанг қизиганда; ✦ **с ~ом** ғайрат билан, берилиб, қизғин; **зада́ть (или дать) ~ у** *кому разг.* 1) қаттиқ қойимоқ, қизартирмоқ, таъзирини бермоқ; 2) қаттиқ иш билан чарчатмоқ; **чужи́ми рука́ми ~ загреба́ть** бошқаларнинг қўли билан иш қилмоқ; бошқаларни ишга солиб, роҳатини ўзи кўрмоқ.

ЖА́РА *ж то же, что* **жар** 1, 2.

ЖАРГО́Н *м* жаргон; **~ торго́вцев** савдогарлар жаргони; **воровско́й ~** ўғрилар жаргони, ўғрилар тили.

ЖАРГОНИ́ЗМ *м* жаргонизм, бирор жаргонга хос сўз ёки ибора.

ЖАРГО́НН/ЫЙ, -ая, -ое жаргонга хос, жаргон...; **~ое сло́во** жаргон сўз.

ЖАРДИНЬЕ́РКА *ж, р. мн.* **-рок** хонаки гул учун махсус яшик ёки сават.

ЖА́РЕН/ЫЙ, -ая, -ое 1 қовурилган, қовурма; **~ая ры́ба** қовурилган (қовурма) балиқ; **~ый цыплёнок** қовурилган жўжа; 2 *в знач. сущ.* **~ое** *с уст. то же, что* **жарко́е; на обе́д ча́сто подава́ли ~ое** тушликка кўпинча қовурдоқ бериларди.

ЖА́РЕНЬЕ *с разг. по гл.* **жа́рить** 1, 2; **~ ры́бы** балиқ қовуриш.

ЖА́РИТЬ *несов.* 1 (*сов.* **зажа́рить**) *кого-что* қовурмоқ; **~ мя́со** гўшт қовурмоқ; 2 *что* қовурмоқ, қиздириб тайёрламоқ; **~ се́мечки** писта қовурмоқ; **~ кукуру́зу** бодроқ қилмоқ; 3 *кого* и *без доп.* куйдирмоқ, қиздирмоқ (қуёш ҳақида); **ну и жа́рит сего́дня!** бугун офтоб роса қиздиряпти, бугун кун роса қизиди; 4 *прост.* бошқа феъл ўрнида ишлатилиб, иш-ҳаракатнинг тез, шиддатли бажарилишини билдиради; **жарь на гармо́нике** қани, гармонни бир босиб чалчи; **жарь в магази́н!** магазинга ғизилла!; зинғиллаб магазинга бориб кел!; **мо́жно начина́ть?— Жарь!** бошласа бўладими?— Бошлайвер!

ЖА́РИТЬСЯ *несов.* 1 (*сов.* **зажа́риться**) қовурилмоқ; **мя́со жа́рится** гўшт қовурияпти; 2 *разг.* иссиқда тобланмоқ, қизимоқ, куймоқ; **~ на со́лнце** офтобда тобланмоқ, жазирамада куймоқ; 3 *страд. от* **жа́рить** 1, 2.

ЖА́РК/ИЙ, -ая, -ое; -рок, -рка́, -рко; жа́рче 1 иссиқ, қизиган; ловуллаган; жазирама; **~ие у́гли** ловуллаган чўғ; **~ие лучи́ со́лнца** офтобнинг иссиқ нури, тиғаси; **~ий день** иссиқ кун; **~ое ле́то** иссиқ (жазирама) ёз; **~ая ба́ня** иссиқ ҳаммом; 2 иссиқ, тропик; **~ие стра́ны** иссиқ (тропик) мамлакатлар; 3 *перен.* қизғин, шиддатли; жонли, жўшқин; **~ий бой** шиддатли жанг; 4 *перен.* эҳтиросли; **~ий поцелу́й** эҳтиросли бўса.

ЖА́РКО 1 *нареч.* қизитиб. қиздириб; **~ натопленная печь** қаттиқ қиздирилган печь; 2 *нареч. перен.* шиддат билан, эҳтирос билан, қизғин, жўшқин; **~ спо́рить** қизғин мунозара қилмоқ; 3 *безл. в знач. сказ.* иссиқ; **сего́дня ~** бугун кун иссиқ; 4 *безл. в знач. сказ. кому* иссиб (қизиб) кетяпман; исиб (қизиб) кетяпти; **мне ~** исиб (қизиб) кетяпман; ✦ **ни ~ ни хо́лодно** *кому* бари бир; **не́бу ~** (бу́дет, сто́нет) иш шундай авж олиб, қизиб кетадики (осмонни оларга олади).

ЖАРКО́Е *с, р.* **-о́го** жаркоп, қовурма, қовурдоқ.

ЖАРО́ВНЯ *ж, р. мн.* **-вен** 1 манқал; манқалдон; 2 кабоб кўра.

ЖАРОВ/О́Й, -а́я, -о́е иссиққа, иссиқликка оид; иссиқ (иссиқлик) оқибатидаги; **~о́й уда́р** *уст.* офтоб уриш; ✦ **~а́я труба́** буғ қозони орқали иссиқ тутун ўтказадиган труба, ўт қувури.

ЖАРОВЫНО́СЛИВОСТЬ *ж бот.* иссиққа чидамлилик.

ЖАРОВЫНО́СЛИВЫ/Й, -ая, -ое *бот.* иссиққа чидамли; **~е расте́ния** иссиққа чидамли ўсимликлар.

ЖАРОПОНИЖАЮЩ/ИЙ, -ая, -ее 1 иситмани пасайтирадиган, ҳароратни туширадиган; **~ие сре́дства** иситмани туширадиган дори-дармонлар; 2 *в знач. сущ.* **~ее** *с* иситмани пасайтирадиган дори, иситма дори; **приня́ть ~ ее** иситмани пасайтирадиган дори қабул қилмоқ.

ЖАРОПРО́ЧНЫЙ, -ая, -ое; -чен, -чна *спец.* иссиқбардош; **~ сплав** иссиқбардош қотишма.

ЖАРОСТО́ЙКИЙ, -ая, -ое *спец.* оловбардош.

ЖАРОУПО́РНЫЙ, -ая, -ое *спец. то же, что* **жаростойкий.**

ЖАР-ПТИЦ/А *ж нар.-поэт.* қақнус (рус халқ эртакларида: патлари оловдек ёниб турадиган афсонавий қуш); ✦ **найти́ (или доста́ть) перо́ ~ы** бахт топмоқ, бахтга эришмоқ.

ЖА́РЧЕ *см.* **жа́ркий.**

ЖАРЫ́НЬ *ж прост.* қаттиқ иссиқ, жазирама иссиқ, жазирама.

ЖАСМИ́Н *м* ясмин.

ЖАСМИ́ННЫЙ, -ая, -ое ясмингa оид; ясмин...; **~ за́пах** ясмин ҳиди.

ЖАСМИ́НОВЫ/Й, -ая, -ое ясмингa оид; ясмин...; **~е лепестки́** ясмин барглари.

ЖА́ТВА *ж* 1 ўриш, ўрим, ўрим-йиғим, ўроқ; **~ хлебо́в** ғалла экинлари ўрими, ғалла ўроғи; 2 ўроқ пайти, ўрим-йиғим вақти; **начина́ется ~** ўрим-йиғим вақти бошланди; 3 *уст.* ўриб олинган ғалла, ҳосил; **оби́льная ~** мўл ҳосил.

ЖА́ТВЕННЫЙ, -ая, -ое ўришга, ўрим-йиғимга оид; ўрадиган; ўриш...; ўроқ...; **~сезо́н** ўрим-йиғим мавсуми.

ЖА́ТКА *ж, р. мн.* **-ток** ўроқ машина.

ЖАТЬ I, жму, жмёшь *несов.* 1 *кого-что* қисмоқ, сиқмоқ; босмоқ; сиқиб бормоқ, сиқиб қўймоқ; **~ ру́ку** қўлни қисмоқ (*мас.* кўришганда, хайрлашганда); **~ проти́вника к реке́** душманни дарё томон сиқиб бормоқ; 2 *кого-что и без доп.* сиқмоқ, торлик қилмоқ; **сапоги́ жмут** этик сиқяпти; **пиджа́к жмёт в плеча́х** костюм елкаларни сиқиброқ турибди, костюмнинг елкалари торроқ келди; 3 *что* эзмоқ, сиқмоқ, ғижимламоқ; эзиб (сиқиб) сувини олмоқ; **~ виногра́д** узум эзмоқ; 4 *что спорт. то же, что* **выжима́ть; ~ шта́нгу** штангани даст кўтармоқ; 5 *прост.* шошмоқ, босмоқ, жадалига олмоқ, жадаллатмоқ; **жмём, торо́пимся зако́нчить в срок** ишни вақтида бажариш учун босим ишлаяпмиз; ✦ **сро́ки жмут** вақт зиқ, муҳлат оз қоляпти; **~ со́ки** *из кого см.* **сок.**

ЖАТЬ II, жну, жнёшь *несов.* (*сов.* **сжать**) *что* ўрмоқ; **~ хлеб** ғалла ўрмоқ; **~ серпо́м** ўроқ билан ўрмоқ.

ЖА́ТЬСЯ, жмусь, жмёшься *несов.* 1 жунжикмоқ; ғужанак бўлмоқ; **~ от хо́лода** совуқдан (совуқ еб) жунжикмоқ; 2 қисилмоқ, ёпишмоқ; пинжига кирмоқ; **~ к стене́** деворга қисилмоқ; **ребёнок жмётся к ма́тери** бола онасининг пинжига (бағрига) сиқиляпти; 3 *перен. разг.* тортинмоқ, тортинчоқлик қилмоқ; 4 *перен. разг.* зиқналик қилмоқ, аямоқ, хасислик қилмоқ.

ЖА́ХАТЬ *несов. см.* **жа́хнуть.**

ЖА́ХНУТЬ *сов.* (*несов.* **жа́хать**) *кого прост.* қаттиқ урмоқ, солмоқ, тушириб қолмоқ.

ЖБАН *м* қопқоқли кўвача, кўза.

ЖВА́ЛА *мн. (ед.* **жва́ло** *с) зоол.* юқори жағ (ҳашарот ва қисқичбақасимонларда).

ЖВА́ЧК/А *ж, р. мн.* **-чек** 1 кавшаш, ка́вш қайтариш; 2 қайтарилган озуқа, ем (кавш қайтарувчи ҳайвонларда); 3 *прост.* жвачка, сақич; **таба́чная ~а** тамаки сақич; ✦ **жева́ть (или пережёвывать) ~у** чайнайвермоқ, такрорлайвермоқ, эзмоқ.

ЖВА́ЧНЫ/Й, -ая, -ое 1 кавш қайтарувчи; **~е живо́тные** кавш қайтарувчи ҳайвонлар; 2 *в знач. сущ.* **~е** *мн. зоол.* кавш қайтарувчилар.

ЖГУТ *м, р.* **-а́** эшилган (эшма) бовлиқ; **соло́менный ~** похол бовлиқ, похолдан эшилган бовлиқ; 2 жгут (қон томирларини бўғиб қон оқишини тўхтатиш учун ишлатиладиган эластик тасма, боғич, найча ёки бинт); 3 *мн.* **~ы** зар чилвир.

ЖГУТИК *м* 1 *уменьш. от* **жгут; 3** *зоол.* қивчин (энг содда жониворларнинг қилсимон оёқлари).

ЖГУЧ/ИЙ, -ая, -ее 1 куйдирадиган, жиз этиб узиб оладиган, жуда иссиқ, қизиган, қизғин; **~ий во́здух пусты́ни** чўлнинг куйдирадиган иссиқ ҳавоси; **~ие лучи́ со́лнца** қуёшнинг қизғин нури; 2 ачитадиган, жизиллатадиган,

www.ziyouz.com kutubxonasi

ачиштирадиган (аччиқ, қаттиқ); ~ий моро́з аччиқ (қаттиқ) **совуқ; ~ая боль** қаттиқ (жизиллатадиган) оғриқ; 3 *перен.* юракни ёндирадиган, ични куйдирадиган, аччиқ, қаттиқ, алáмли; **~ий стыд** қаттиқ уялиш; ични куйдирадиган шармандалик; **~ая обúда** қаттиқ алам; ✦ **~ий брюнéт** сочлари, кўзи тимқора одам, қора соч, қора кўз одам; **~ий вопрóс** долзарб (муҳим) масала.

ЖДАТЬ *несов.* 1 *кого-что, кого-чего* кутмоқ, мунтазир бўлмоқ; **дóлго ~** узоқ кутмоқ, маҳтал бўлмоқ; **~ письмó** хат кутмоқ; 2 *чего* кутмоқ, пойламоқ, умид қилмоқ, умид боғламоқ, умидвор бўлмоқ, кўз тутмоқ, илинжида бўлмоқ; илҳақ бўлмоқ; **~ удóбного слýчая** қулай фурсат пойламоқ; **~ награ́ды** мукофотга (мукофот олишга) умидвор (илҳақ) бўлмоқ; 3 *чего* кутмоқ, ... деб ўйламоқ, мўлжалламоқ, чамаламоқ, кўзламоқ, бўлишини кутмоқ; **~ бýри** бўрон бўлишини кутмоқ; **он ждáл, что день бýдет хорóший** у кун яхши (очиқ) бўлади деб ўйлаган эди; 4 *кого-что* кутмоқ, бўлмоқ, кечмоқ; сазовор бўлмоқ; **что ждёт меня́?** менинг аҳволим нима бўлади (нима кечади)?; **предáтеля ждёт кáра** хоинни жазо кутмоқда; **геро́ев ждёт награ́да** қаҳрамонларни мукофот кутмоқда; ✦ **врéмя (или дéло) не ждёт** вақт танг, кутиб ўтиришга (пайсаллашга) вақт йўқ; **того́ и жди** қараб тур, қарабсанки, ана ҳозир (ёки ҳадемай) бўлиб қолади; **того́ и жди — упадёт** ана ҳозир йиқилади; йиқилай-йиқилай деб турибди; **~ не дождáться** сабрсизлик билан кутмоқ, орзиқиб кутмоқ, интизор бўлмоқ; **жду не дождýсь весны́** баҳор келишини орзиқиб (сабрсизлик билан) кутяпман (кутмоқдаман); тезрок баҳор келса эди, деб кутяпман; **не застáвить себя́ ~** дарров (маҳтал қилмай) келмоқ; **он не застáвил себя́ дóлго ~** у узоқ куттирмади, маҳтал қилмай дарров келди.

ЖЕ и Ж I *союз* 1 *противит.* -са, бўлса; бироқ, лекин, аммо; **я уезжáю, товáрищ же остаётся** мен кетаман, ўртоғим эса қолади; мен кетаман, аммо ўртоғим қолади; 2 *соед.* бош гап билан қириш гапни бириктириш учун хизмат қилади; **когдá мы приéхали, приéхали же мы лéтом, стоя́ла со́лнечная погóда** биз борганимизда, бу ёз вақтида эди, ҳаво очиқ экан.

ЖЕ и Ж II *частица* 1 *усилит.* -оқ, -ёқ; ўзи, ўша; шундай; -ку, -чи, -да, ахир, энди; **сегóдня же** бугуноқ; **сейчáс же** ҳозирнинг ўзидаёқ, ҳозироқ, дарҳол; **когдá же** қачон энди, қачон ахир; **я же сказáл** мен айтдим-ку; **дай же!** берсанг-чи!, бергин-да!; 2 айниятни билдиради; **там же** ўша ерда, ўша ернинг ўзида; **тот же** ўшанинг ўзи; **такáя же кни́га** худди шундай китоб; **такóго же размéра** худди шундай ўлчамдаги (ўлчамли); ✦ **всё ж и всё же** ҳар ҳолда, нима бўлганда ҳам, шундай бўлса-да, лекин шунга қарамай.

ЖЁВАН/ЫЙ, -ая, -ое 1 чайналган, кавшалган; **~ый хлеб** чайналган нон; 2 *перен. разг.* эзилган, ғажилган, ғижимланган, мижғалоқ; **~ая рубáха** ғижимланган кўйлак.

ЖЕВАТЕЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое 1 чайнайдиган, кавшайдиган; чайнаш (кавшаш) учун хизмат қиладиган; чайнаш...; кавшаш...; **~ые мы́шцы** чайнаш мушаклари; **~ые движе́ния** чайнаш, кавшаш; 2 чайналдиган, чайнайдиган; **~ая рези́нка** чайналадиган резинка; **~ая сéра** сақич.

ЖЕВАТЬ, жу́ю, жуёшь *несов.* 1 *кого-что* чайнамоқ, кавшамоқ; емоқ; **~ пи́щу** овқат чайнамоқ; **~ жвáчку** сақич чайнамоқ; 2 *перен. что разг.* чайнамоқ, эзмоқ, ҳадеб такрорлайвермоқ; **~ одúн и тот же вопрóс** бир масалани ҳадеб (такрор-такрор) муҳокама қилавермоқ; ✦ **~ жвáчку** *см.* **жвáчка.**

ЖЕЗЛ *м, р.* **-á** 1 *высок. уст.* и *ирон.* асо, ҳасса; 2 асо (подшолик ёки юқори мартаба аломати, белгиси); **фельдмáршальский ~** фельдмаршаллик белгиси (асоси); 3 *ж.-д.* жезл (темир йўлда машинистга узатиладиган ва унга поездни станциядан олиб ўтиш ҳуқуқини берадиган темир таёқча); 4 жезл [кўча ҳаракатини тартибга солувчи милиционернинг оқ-қора (ола) калта таёғи].

ЖЕЗЛОВ/ÓЙ, -áя, -óе жезл(3)га оид; жезлли; жезл..., **~óй аппарáт** жезл системаси аппарати; **~áя систéма регули́рования движе́ния поездóв** поездлар ҳаракатини тартибга солишнинг жезлли усули.

ЖЕЛАЕМ/ЫЙ, -ая, -ое 1 исталган, орзу қилинган, кутилган, кўнгилдаги; 2 *в знач. сущ.* **~ое** *с* истак, орзу, муддао; **добúться ~ого** орзуга (муддаога) эришмоқ.

ЖЕЛА́НИ/Е *с* 1 истак, тилак, орзу, хоҳиш; хоҳлаш, интилиш; **~е оста́ться в го́роде** шаҳарда қолиш истаги; **заве́тное ~е** кўнгилдаги орзу, армон, эзгу тилак; **горе́ть ~ем** жуда ҳам истамоқ, иштиёқманд бўлмоқ; **~е пропа́ло** хоҳиш қолмади, ҳафсала пир бўлди; **исполне́ние ~й** орзуларнинг ушалиши, рўёбга чиқиши; 2 истак, тилак, илтимос; **испо́лнить** *чьё-л.* **~е** тилагини бажармоқ, илтимосини бажо келтирмоқ; 3 ишқ-муҳаббат туйғуси, орзуси.

ЖЕЛА́ННЫЙ, -ая, -ое 1 тиланган, исталган, орзу қилинган, кутилган, кўнгилдаги; **~ая весть** кутилган хабар; кўнгилдагидек хабар; 2 *уст.* азиз, қимматли, ардоқли; матлуб, марғуб; **~ый гость** азиз меҳмон, ардоқли меҳмон; 3 *в знач. сущ.* **~ый** *м* севимли ёр, ошиқ, маҳбуб, дилхоҳ; **~ая** *ж* севгили, ёр, маъшуқа, маҳбуба, кўнгил хуши.

ЖЕЛА́ТЕЛЬНО *безл. в знач. сказ.* матлуб, маъқул, мақбул, мақсадга мувофиқ, керак; **э́ту рабóту ~ зако́нчить сего́дня** бу иш бугун тамомланса яхши (маъқул) бўлар эди; **~, что́бы всё было гото́во** ҳамма нарса тайёр турса яхши (маъқул) бўлар эди.

ЖЕЛА́ТЕЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое; -лен, -льна исталган, тиланган, матлуб, маъқул, мақбул; керак; **~ое реше́ние** мақбул қарор.

ЖЕЛА́ТИН *м* и **ЖЕЛАТИ́НА** *ж* желатин, елимшак.

ЖЕЛАТИ́НОВЫ/Й, -ая, -ое желатинга оид; желатиндан тайёрланган; желатинли; желатин...; **~й сту́день** желатинли дирилдоқ; **~е ка́псулы** желатин капсулалар.

ЖЕЛА́/ТЬ *несов.* 1 (*сов.* **пожела́ть**) *кого-что, чего и с неопр.* тиламоқ, истамоқ, хоҳламоқ, орзу қилмоқ; **чего́ вы ~ете?** нима истайсиз?; **~ю ви́деть вас** сизни кўргим келади; истагим сизни кўриш; **~ю, что́бы всё бы́ло хорошо́** ҳаммаси (ҳамма иш) яхши бўлишини истайман (истардим); охири бахайр бўлсин; 2 (*сов.* **пожела́ть**) *кому кого-чего и с неопр.* тиламоқ, тилак билдирмоқ; **~ю вам здоро́вья и успе́хов** сизга саломатлик ва муваффақият тилайман; 3 севмоқ; ✦ **оставля́ет ~ть лу́чшего** (или **мно́гого**) ҳали унчалик эмас; ҳали анча камчиликлари бор.

ЖЕЛА́ЮЩ/ИЙ, -ая, -ее 1 *прич. от* **жела́ть** хоҳловчи; 2 *в знач. сущ.* **~ие** *мн.* истаганлар, истовчилар, хоҳловчилар, талабгорлар, толиблар; **~их мно́го** истаганлар (истовчилар) кўп, талабгорлар кўп.

ЖЕЛВА́К *м, р.* **-á** ғиш, ғурра.

ЖЕЛЕ́ *с нескл.* 1 желе (мева суви, шакар ва желатиндан тайёрланадиган ширин дирилдоқ овқат); 2 елимшак.

ЖЕЛЕЗА́ *ж, мн.* **же́лезы,** *р.* **желёз,** *дат.* **железа́м** без; **слюнна́я ~** сўлак бези; **же́лезы вну́тренней секре́ции** ички секреция безлари.

ЖЕЛЕ́ЗИНА *ж разг.* бир парча темир; темир парчаси.

ЖЕЛЕ́ЗИСТ/ЫЙ I, -ая, -ое таркибида темир бўлган, темирли; темир...; **~ая руда́** темирли руда, темир рудаси.

ЖЕЛЕ́ЗИСТ/ЫЙ II, -ая, -ое *анат.* безга оид; безли; без...

ЖЕЛЕ́ЗКА I *ж, р. мн.* **-зок** *разг.* темир парча.

ЖЕЛЕ́ЗКА II *ж прост.* қиморнинг бир тури (карта ўйинида).

ЖЕЛЕ́ЗКА III *ж прост. уст.* темир йўл.

ЖЕЛЕ́ЗК/А IV: на всю ~у *прост.* бор куч билан босиб, зўр бериб, тез, жуда қаттиқ; баралла; **жми на всю ~у!** бос!; зўр бер!; **включи́ть ра́дио на всю ~у** радиони баралла қўймоқ.

ЖЕЛЕ́ЗКА *ж, р. мн.* **-зок** 1 *уменьш. от* **железа́** безча, кичик без; 2 *бот.* безча (ўсимликларнинг шира чиқарадиган ҳужайралари).

ЖЕЛЕ́ЗКО *с, р. мн.* **-зок** ранда тиғи.

ЖЕЛЕ́ЗНО *нареч. и частица прост.* албатта; гап битта.

ЖЕЛЕЗНОДОРО́ЖНИК *м* темир йўлчи, темир йўл ишчиси, хизматчиси.

ЖЕЛЕЗНОДОРО́ЖНИЦА *ж см.* **железнодоро́жник.**

ЖЕЛЕЗНОДОРОЖНЫЙ, -ая, -ое темир йўлга оид; темир йўл...; **~ тра́нспорт** темир йўл транспорти.

ЖЕЛЕ́ЗН/ЫЙ, -ая, -ое 1 темирга оид; темирдан қилинган; темирли; темир...; **~ые стру́жки** темир чиқиндилари; **~ая руда́** темир рудаси; 2 *перен.* темирдай қаттиқ, маҳкам, мустаҳкам; пишиқ, пўлат; **~ый органи́зм** пишиқ-пухта организм; **~ое здоро́вье** мустаҳкам соғлиқ; 3 *перен.* метиндай мустаҳкам, бузилмас, қаттиқ, рад қилиб бўлмайдиган;

www.ziyouz.com kutubxonasi

~ая во́ля мустаҳкам ирода, темир ирода; **~ая дисципли́на** қаттиқ интизом; **~ая ло́гика** рад қилиб бўлмайдиган мантиқ; ✦ **~ый век** *археол.* темир даври.

ЖЕЛЕЗНЯК *м, р.* **-я́:** **магни́тный ~** магнитли темир рудаси, магнит темиртош; **бу́рый ~** қўнғир темир рудаси, қўнғир темиртош; **кра́сный ~** қизил темир рудаси, қизил темиртош.

ЖЕЛЕ́З/О *с* 1 темир; 2 темир парсалар; темир-терсак; **кро́вельное ~о** тунука; 3 таркибида темир бўлган дори; 4 *мн.* **~ы** *уст.* кишан.

ЖЕЛЕЗОБЕТО́Н *м* темир-бетон.

ЖЕЛЕЗОБЕТО́ННЫЙ, -ая, -ое темир-бетонли; темир-бетон...; **~ мост** темир-бетон кўприк.

ЖЕЛЕЗОПЛАВИ́ЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое темир эритишга оид, темир эритадиган, темир эритиш...; **~ая печь** темир эритадиган печь.

ЖЕЛЕЗОПРОКА́ТНЫЙ, -ая, -ое темир прокат қиладиган, ёядиган, чиғирлайдиган; **~ стан** темир прокат қиладиган стан.

ЖЕЛЕЗЯ́КА *ж прост.* темир нарса; бир парча темир.

ЖЕЛЕ́ЙНЫЙ, -ая, -ое желега (дирилдоққа) оид; желели, желе...

ЖЕ́ЛОБ *м, мн.* **желоба́** тарнов, нов.

ЖЕЛО́БОК *м, р.* **-бка́** *уменьш. от* **жёлоб** кичкина тарнов, тарновча.

ЖЕЛО́БЧАТ/ЫЙ, -ая, -ое нов шаклидаги, новсимон, новали, новлари бўлган, нова-нова; **~ая черепи́ца** нова-нова черепица.

ЖЕЛО́НКА *ж, р. мн.* **-нок** *спец.* желонка (узун челаксимон идиш).

ЖЕЛО́НОЧН/ЫЙ, -ая, -ое *спец.* желонкага оид; желонка...; **~ая добы́ча не́фти** желонка билан нефть олиш (чиқариш).

ЖЕЛТЕ́/ТЬ *несов.* 1 (*сов.* **пожелте́ть**) сарғаймоқ; ранги кетмоқ; заҳиллашмоқ; **бума́га ~ет на со́лнце** офтобда қоғоз сарғаяди; 2 сарғайиб кўринмоқ, сариқ бўлиб турмоқ; **вдали́ ~ло пшени́чное по́ле** узоқда буғдойзор сарғайиб кўриниб турарди.

ЖЕЛТЕ́ТЬСЯ, -е́ется *несов. разг. то же, что* **желте́ть** 2.

ЖЕЛТИЗНА́ *ж* сариқлик; заҳиллик.

ЖЕЛТИ́НКА *ж, р. мн.* **-нок** *разг.* 1 кичкина сариқ дог; 2 *то же, что* **желтизна́**.

ЖЕЛТИ́ТЬ, -лчу́, -лти́шь *несов. что* сарғайтирмоқ, сариқ рангга бўямоқ, сариқ тус бермоқ, сариқ тусга киритмоқ.

ЖЕЛТКО́В/ЫЙ, -ая, -ое тухум сариғига оид; тухум сариғидан тайёрланган, тухум сариғи...; **~ая оболо́чка** тухум сариғининг пардаси.

ЖЕЛТОВА́Т/ЫЙ, -ая, -ое сарғиш, сариққа мойил, сариқроқ; **~ая бума́га** сарғиш қоғоз.

ЖЕЛТ/О́К *м, р.* **-тка́** тухум сариғи.

ЖЕЛТОКО́Ж/ИЙ, -ая, -ее сариқ бадан, бадани, териси сариқ.

ЖЕЛТОЛИ́Ц/ЫЙ, -ая, -ее юзи сариқ, сарғимтил (сарғиш) юзли.

ЖЕЛТОПУ́ЗИК *м* сариқ илон.

ЖЕЛТОРО́ТЫ/Й, -ая, -ое 1 сариқ тумшуқ (қуш болалари ҳақида); 2 *перен. разг.* ғўр, хом, ғўдак, она сути оғзидан кетмаган; **~е юнцы́** она сути оғзидан кетмаган болалар.

ЖЕЛТОЦВЕ́Т *м* сариқ гул (сариқ гулли дала чечаги).

ЖЕЛТО́ЧНЫЙ, -ая, -ое тухум сариғига оид; тухум сариғи...

ЖЕЛТУ́ХА *ж* сариқ, сариқ касали (касаллиги), гепатит, Боткин касаллиги.

ЖЕЛТУ́ШН/ЫЙ, -ая, -ое *прил. от* **желту́ха** сариқ касалига оид, хос; сариқ касаллиги...; **~ое лицо́** сарғайиб кетган юз (сариқ касаллигидан).

ЖЕ́ЛТ/ЫЙ, -ая, -ое 1 сариқ, сариқ ранг; малла; заҳил; **~ая кра́ска** сариқ бўёқ; 2 *перен.* муросачи, келишувчи, сотилган, сотқин; **~ые профсою́зы** сариқ касаба союзлари, келишувчи касаба союзлар; **~ая пре́сса** сотқин матбуот, буржуазияга сотилган матбуот; ✦ **~ый дом** *уст.* жиннихона; **~ый биле́т** революциядан илгари: бузуқ хотинларга берилган сариқ паспорт.

ЖЕЛУДЕ́ВЫЙ, -ая, -ое чўчқаёнғоққа оид; чўчқаёнғоқдан тайёрланган; чўчқаёнғоқ...; **~ ко́фе** чўчқаёнғоқдан тайёрланган кофе, чўчқаёнғоқ кофеси.

ЖЕЛУ́Д/ОК *м, р.* **-дка** ошқозон, меъда; **расстро́йство ~ка** меъда бузилиши; ичкетар.

ЖЕЛУ́ДО́ЧЕК *м, р.* **-чка** 1 *уменьш. от* **желу́док**; 2 юрак қоринчаси; **правы́й ~** ўнг қоринча; 3 мия қоринчаси (бош миядаги бўшлиқ).

ЖЕЛУДО́ЧН/ЫЙ, -ая, -ое ошқозонга, меъдага оид; ошқозон...; меъда...; **~ое заболева́ние** ошқозон касаллиги.

ЖЕ́ЛУДЬ *м* чўчқаёнғоқ (дуб дарахтининг меваси).

ЖЕЛЧЕГО́НН/ЫЙ, -ая, -ое ўт (сафро) чиқаришни кучайтирадиган, сафро ҳайдайдиган; **~ое сре́дство** ўт (сафро) чиқаришни кучайтирувчи дори, сафро ҳайдайдиган дори.

ЖЕ́ЛЧЕОТДЕЛЕ́НИЕ *с* ўт чиқариш, сафро чиқариш; сафро ажралиб чиқиши.

ЖЕ́ЛЧНОСТЬ *ж* баджаҳллик, серзардалик, заҳарлик.

ЖЕ́ЛЧНЫЙ, -ая, -ое 1 ўтга, сафрога оид; ўт...; сафро...; **~ пузы́рь** ўт пуфаги (қопчаси); ўтака; 2 *перен.* баджаҳл, серзарда, захар; **~ челове́к** заҳар (баджаҳл) одам.

ЖЕ́ЛЧ/Ь *ж* 1 ўт, сафро; 2 *перен.* жаҳл, зарда, заҳар; **сказа́ть с ~ью** зарда билан айтмоқ, заҳарханда қилмоқ; **в тебе́ мно́го ~и** турган-битганинг жаҳл.

ЖЕМА́НИТЬСЯ *несов. разг.* ноз қилмоқ, ноз-карашма қилмоқ, ишва қилмоқ; қилик қилмоқ, қийшангламоқ.

ЖЕМА́ННИЦА *ж разг.* нозли (ноз-карашмали, серишва) аёл, ишвагар аёл; қиликдор, қийшанғи аёл.

ЖЕМА́ННИЧАТЬ *несов. то же, что* **жема́ниться.**

ЖЕМА́НН/ЫЙ, -ая, -ое; -нен, -нна нозли, ноз-карашмали, ишвагар, серноз, қиликдор, серқилиқ, қийшанғи; **~ая же́нщина** серноз хотин; **~ое поведе́ние** сернозлик, серқилиқ юриш-туриш; қийшанглаш.

ЖЕМА́НСТВО *с* ноз-карашма, ноз-истиғно; қиликдорлик, қийшанғилик.

ЖЕ́МЧУГ *м, мн.* **-а́** марварид, дур, инжу; **~а́ на ше́е** бўйинга тақилган марварид маржон; **~ зубо́в** *перен.* тишнинг оқи.

ЖЕ́МЧУЖИНА *ж* 1 марварид донаси, дур; 2 *перен. чего или какая* дурдона, хазина; **~ поэ́зии** шеърият дурдонаси.

ЖЕМЧУ́ЖИНКА *ж, р. мн.* **-нок** *уменьш.-ласк. от* **жемчу́жина.**

ЖЕМЧУ́ЖНИЦА I *ж* садафдор (чиғаноғида инжу пайдо қиладиган моллюск).

ЖЕ́МЧУЖНИЦА II *ж вет. уст.* сил (уй ҳайвонлари ва қушларида).

ЖЕМЧУ́ЖН/ЫЙ, -ая, -ое 1 дурга, марваридга оид; дур...; марварид...; инжу...; **~ое ожере́лье** дур маржон; 2 *перен.* марваридга ўхшаш, марвариддек; садафдек; **~ые зу́бы** садафдек оппоқ тишлар.

ЖЕНА́ *ж, мн.* **жёны** 1 хотин, рафиқа; 2 *уст. высок.* умуман аёл, хотин.

ЖЕНА́ТИК *м прост. шутл.* хотинли йигит, куёв бола.

ЖЕНА́Т/ЫЙ, -ая, -ое 1 уйланган, хотинли; **его́ сын уже́ ~** унинг ўғли уйланган; 2 бир ёстиққа бош қўйган, оила қурган, эр-хотин бўлган; **Па́па с ма́мой бы́ли ещё́ не ~ы** (Короленко) Отам билан онам ҳали оила қуришмаган эдилар; 3 *на ком* уйланган, олган; **он ~ на студе́нтке** у студенткага уйланган.

ЖЕ́НИН, -а, -о хотинининки, хотинимники; **~а шу́ба** хотинимнинг пўстини.

ЖЕНИ́ТЬ, женю́, же́нишь *сов.* и *несов. кого на ком* уйлантирмоқ, хотин олиб бермоқ; **~ сы́на** ўғилни уйлантирмоқ; ✦ **без меня́ меня́ жени́ли** ўзи йўқнинг кўзи йўқ қилишибди (*л. м.* мени орқамдан уйлантириб қўйишибди).

ЖЕНИ́ТЬБА *ж* уйланиш, хотин олиш.

ЖЕНИ́ТЬСЯ, женю́сь, же́нишься 1 *сов. и несов.* уйланмоқ; хотин олмоқ; 2 *сов. разг.* турмуш қурмоқ, бир-бирига уйланмоқ.

ЖЕНИ́Х *м, р.* **-а́** 1 унаштирилган йигит, куёв бўлмиш, қаллиқ; 2 *разг* балоғатга етиб қолган йигитча, куёв; ✦ **смотре́ть ~ом** куёвлардек шод-хуррам кўринмоқ.

ЖЕНИХА́ТЬСЯ *несов. прост.* и *обл.* куёвдек юрмоқ, куёвларча иш тутмоқ; келин-куёвлардек муомалада бўлмоқ.

ЖЕНИХО́ВСКИ/Й, -ая, -ое *разг.* куёвга оид; куёв...; **~е пода́рки** куёв совғалари.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЖЕНИШО́К *м, р.* **-шка́** 1 *уменьш.-ласк. от* **жени́х** куёвча, куёв бола; 2 *унич. от* **жени́х** шунчаки куёв, куёвликка арзимаган йигит.

ЖЕ́НКА *ж, р. мн.* **жёнок** *прост. то же, что* **жена́** 1.

ЖЕНОЛЮ́Б *м* хотин шайдоси, хотинбоз.

ЖЕНОЛЮБИ́ВЫЙ, -ая, -ое хотин учун ўлган, хотинбоз.

ЖЕНОНЕНАВИ́СТНИК *м книжн.* хотинёқмас (хотин-қизларни ёқтирмайдиган) одам, хотинлардан қочадиган одам, хотинбезор.

ЖЕНОНЕНАВИ́СТНИЧЕСКИЙ, -ая, -ое *книжн.* хотинларни ёқтирмайдиган, хотин-қизларга қарши.

ЖЕНОПОДО́БНЫЙ, -ая, -ое; -бен, -бна хотинчалиш, хотиннамо; ~ **мужчи́на** хотинчалиш эркак.

ЖЕНОТДЕ́Л м (женский отдел) хотин-қизлар бўлими.

ЖЕНОУБИ́ЙСТВО *с* ўз хотинини ўлдириш.

ЖЕНОУБИ́ЙЦА *м* ўз хотинини ўлдирган киши, хотинкуш.

ЖЕ́НСК/ИЙ, -ая, -ое 1 хотин-қизларга оид, хотин-қизларча, аёлларга хос бўлган; хотин-қизлар...; аёллар...; ~**ая не́жность** хотин-қизларга хос нозиклик, назокат ~**ий пол** хотин-қизлар (жинси); ~**ие боле́зни** хотин-қизлар касалликлари; 2 хотин-қизлардан ташкил топган, аёллардан иборат; ~**ий коллекти́в** хотин-қизлар коллективи ~**ий авиапо́лк** хотин-қизлар авиаполки; 3 хотин-қизлар учун белгиланган, заифона; ~**ое пла́тье** хотин-қизлар кўйлаги; ~**ие ту́фли** заифона туфли; ✦ ~**ая ло́гика** *шутл.* хотинларча мантиқ, хотин-қизларга хос юзаки фикр; ~**ий род** *грам.* женский род, шакли муаннас; ~**ий вопро́с** хотин-қизлар масаласи.

ЖЕ́НСТВЕННОСТЬ *ж* назокат, зарофат.

ЖЕ́НСТВЕНН/ЫЙ, -ая, -ое хотинларга хос латиф, нозик, майин, мулойим, юмшоқ; ~**ая нату́ра** хотинларга хос латофат, назокат.

ЖЕ́НЩИН/А *ж* 1 хотин, хотин киши, аёл; ~**ы** хотин-қизлар, аёллар; ~**а-инжене́р** инженер хотин, инженер аёл; 2 балоғатга (бўйига) етган қиз, катта қиз; 3 эрга теккан хотин киши, никоҳли хотин, жувон.

ЖЕНЬШЕ́НЕВЫЙ, -ая, -ое женьшенга (одамгиёҳга) оид; женьшень...; одамгиёҳ...

ЖЕНЬШЕ́НЬ *м* женьшень, одамгиёҳ.

ЖЕРДИ́НА *ж разг. то же, что* **жердь.**

ЖЕ́РДОЧКА *ж, р. мн.* **-чек** 1 *уменьш. от* **жердь** ходача, ингичка калта ёғоч; 2 қўноқ (товуқхонада, қафасда).

ЖЕРДЬ *ж* синч, ходача, таёқ.

ЖЕРЕ́БАЯ, -ре́ба бўғоз (от, эшак, туя ҳақида); ~ **кобы́ла** бўғоз байтал.

ЖЕРЕБЁНОК *м, р.* **-нка,** *мн.* **-бя́та** қулун, тойча, той.

ЖЕРЕБЕ́Ц *м, р.* **-бца́** айғир, айгир от.

ЖЕРЕБИ́Й *м уст. то же, что* **жре́бий.**

ЖЕРЕБИ́ТЬСЯ, -и́тся *несов.* қулунламоқ, тойламоқ, туғмоқ.

ЖЕРЕБО́К *м, р.* **-бка́** чала туғилган тойча териси.

ЖЕРЕБО́СТЬ *ж зоол.* бўғозлик, қочганлик.

ЖЕРЕБЧИК *м уменьш.-ласк. от* **жеребе́ц;** ✦ **мышино́ый хвост** *уст.* қариб қуйилмаган хотинбоз.

ЖЕРЕБЬЁВКА *ж, р. мн.* **-вок** қуръа (чек) ташлаш.

ЖЕРЕБЬЁВЩИК *м* қуръа (чек) ташловчи (ташлаган) киши.

ЖЕРЕБЯ́ТИНА *ж разг.* той гўшти.

ЖЕРЕБЯЧ/ИЙ, -ья, -ье тойчага оид, тойчага хос бўлган, той(ча)...; ~**ье ржа́нье** тойнинг кишнаши; ✦ ~**ья поро́да** *прост. уст.* руҳонийлар, поплар зоти.

ЖЕ́РЕХ *м* оққайроқ (балиқ).

ЖЕРЛИ́ЦА *ж* жерлица (йиртқич балиқларни тутадиган махсус асбоб).

ЖЕ́РЛО *с, мн.* **же́рла** оғиз (тўп, вулкан ва ш. к. да); ~ **пе́чи** печнинг оғзи.

ЖЕ́РНОВ *м, мн.* **жернова́** тегирмон тоши, тегирмонтош.

ЖЕРНОВО́Й, -а́я, -о́е тегирмон тошига оид; тегирмонтошли; тегирмонтошбон; тегирмонтош...; ~ **ка́мень** тегирмонтошбоп харсанг.

ЖЕ́РТВ/А *ж* 1 қурбонлик, қурбон; **соверша́ть** ~**ы** қурбонлик қилмоқ; 2 қурбон бериш, воз кечиш, фидо қилиш, тикиш; баҳридан ўтиш; **пойти́ на** ~**ы** воз кечмоқ, қурбон бермоқ; фидойилик қилмоқ; **принести́** ~**у** *чему...* учун қурбон (фидо) қилмоқ; **принести́ в** ~**у** *что* ...ни қурбон қилмоқ; 3 *чего* қурбон; бирор нарса оқибатида жафо тортган, зарар кўрган ёки ҳалок бўлган одам; ~**ы аггре́ссии** тажовузкорлик қурбонлари; ~**ы ава́рии** ҳалокат қурбонлари; **землетрясе́ние с челове́ческими** ~**ами** ҳалокатли зилзила; 4 талафот, кўрилган зарар; 5 *уст.* иона, садақа, назр.

ЖЕ́РТВЕННИК *м рел.* 1 қурбон қилинадиган (қурбонлик бериладиган) жой; 2 черковда баъзи маросимлар бажариладиган стол.

ЖЕ́РТВЕНН/ЫЙ, -ая, -ое 1 қурбонга, қурбонликка оид; қурбонликка аталган; қурбонлик...; ~**ое живо́тное** қурбонликка аталган ҳайвон; ~**ые обря́ды** қурбонлик маросимлари; 2 *высок.* фидойиларча, фидокорона, ўзини, жонини аямасдан; ~**ое отноше́ние к иску́сству** санъатга фидокорлик, санъат учун жонини ҳам аямаслик; ~**ый по́двиг** фидойилик, фидокорона жасорат.

ЖЕ́РТВОВАТЕЛЬ *м уст.* 1 қурбон(лик) қилган одам; 2 назр берувчи, иона қилувчи, ионачи.

ЖЕ́РТВОВАТЕЛЬНИЦА *ж см.* **же́ртвователь.**

ЖЕ́РТВОВАТЬ *несов.* (*сов.* **поже́ртвовать**) 1 *что* и *без доп. уст.* қурбон(лик) қилмоқ; 2 *что* қурбон қилмоқ, иона қилмоқ, садақа қилмоқ; ~**де́ньги** *на что-л.* бирор нарсага пул иона қилмоқ; 3 *кем-чем.* қурбон бермоқ, фидо қилмоқ, воз кечмоқ, тикмоқ; ~ **собо́й** ўзини фидо қилмоқ; ўзини тикмоқ; ~ **жи́знью** жонини фидо қилмоқ; ~**всем ра́ди побе́ды** ғалаба учун ҳамма нарсадан воз кечмоқ.

ЖЕРТВОПРИНОШЕ́НИЕ *с* қурбонлик қилиш.

ЖЕСТ *м* 1 имо, ишора; **вырази́тельный** ~ маъноли (маънодор) ишора; **энерги́чный** ~ кескин имо-ишора; 2 *перен. чего* или *какой* бирор ният билан қилинган ҳаракат, иш; шамали хатти-ҳаракат; ~ **дру́жбы** дўстона ҳаракат; **благоро́дный** ~ олижаноб ҳаракат; **краси́вый** ~ чиройли хатти-ҳаракат.

ЖЕСТИКУЛИ́РОВАТЬ *несов.* имо-ишоралар қилмоқ; **оживлённо** ~ зўр бериб имо-ишоралар қилмоқ.

ЖЕСТИКУЛЯ́ЦИЯ *ж* имо-ишоралар, маъноли ҳаракатлар.

ЖЁСТК/ИЙ, -ая, -ое; -ток, -тка́, -тко; жёстче 1 қаттиқ; бикир, берч; ~**ий дива́н** қаттиқ диван; ~**ая посте́ль** қаттиқ ўрин; ~**ая пружи́на** бикир пружина; ~**ое мя́со** қаттиқ гўшт, яхши пишмайдиган гўшт ёки чандир; 2 дағал; ~**ие во́лосы** дағал соч; 3 *перен.* қатъий, қаттиқ; бузиб (ўзгартириб) бўлмайдиган; ~**ий срок** қатъий муҳлат; ~**ая дисципли́на** қаттиқ интизом; 4 *перен.* дағал, қўпол, қаттиқ, кескин; ~**ий хара́ктер** қаттиқ характер, қаттиқлик; ~**ие черты́ лица́** дағалроқ башара; ✦ ~**ий ваго́н** қаттиқ ўриндиқли вагон; ~**ая вода́** қаттиқ сув (совун кўпирмайдиган сув).

ЖЁСТКО *нареч.* 1 қаттиқ; **мя́гко сте́лет, да** ~ **спать** *погов.* кулиб туриб (жоним-жоним деб) жонингни олади; 2 *перен.* қатъиян, қатъият (кескинлик) билан, кескин, узилкесил.

ЖЁСТКОСТЬ *ж* 1 қаттиқлик; бикирлик, берчлик; 2 *перен.* қатъийлик, қаттиқлик; кескинлик; 3 *перен.* қаттиқлик, дағаллик, қўполлик.

ЖЕСТО́К/ИЙ, -ая, -ое; жесточа́йший 1 қаҳри қаттиқ, шафқатсиз, раҳмсиз, бераҳм, қаҳрли, золим; ~**ая распра́ва** шафқатсиз жазо; ~**ие нра́вы** қаҳри қаттиқлик, шафқатсизлик; ~**ий челове́к** қаҳри қаттиқ одам, шафқатсиз одам; 2 *перен.* жуда қаттиқ, ҳаддан ортиқ, шиддатли; ~**ий моро́з** жуда қаттиқ совуқ, қаҳратон; ~**ая борьба́** шафқатсиз кураш; ~**ая необходи́мость** қаттиқ (ҳаддан ортиқ) зарурат; ортиқ ложсизлик, муҳтожлик.

ЖЕСТО́КО *нареч.* шафқатсизлик билан, бешафқат, аямасдан, раҳм қилмасдан, раҳмсизларча, золимларча, золимона.

ЖЕСТОКОСЕ́РДИЕ *с высок.* қаҳри қаттиқлик, бағри тошлик, шафқатсизлик, раҳмсизлик, бераҳмлик.

ЖЕСТОКОСЕ́РДНЫЙ, -ая, -ое; -ден, -дна *высок.* қаҳри қаттиқ, бағри тош, бераҳм, раҳмсиз.

ЖЕСТОКОСЕ́РДЫЙ, -ая, -ое *высок. уст. то же, что* **жестокосе́рдный.**

ЖЕСТО́КОСТ/Ь *ж* 1 қаҳри қаттиқлик, бағри тошлик, шафқатсизлик, раҳмсизлик бераҳмлик, золимлик; **прояви́ть** ~**ь** қаҳрига олмоқ, шафқатсизлик қилмоқ; 2 **шафқатсиз-**

www.ziyouz.com kutubxonasi

ларча иш, ҳаракат, жабр-жафо; **соверша́ть ~и** шафқатсизларча қийнамоқ, эзмоқ, жабр-жафо қилмоқ ёки ўлдирмоқ.

ЖЕ́СТОЧАЙШИЙ, -ая, -ое *см.* **жесто́кий; ~ моро́з** жуда қаттиқ совуқ, қаҳратон.

ЖЕ́СТЧЕ *см.* **жёсткий.**

ЖЕСТЬ *ж* тунука, оқ тунука.

ЖЕСТЯ́НИК *м то же, что* **жестя́нщик.**

ЖЕСТЯ́НКА *ж, р. мн.* **-нок** 1 тунука идиш, тунука қути; 2 *разг.* бир парча тунука, тунука парчаси.

ЖЕСТЯНО́Й, -а́я, -о́е тунукага оид; тунукадан қилинган; тунука...; **~ ча́йник** тунука чойнак.

ЖЕСТЯ́НЩИК *м* тунукачи, тунукасоз.

ЖЕТО́Н *м* 1 жетон, нишон, медаль; 2 жетон (пул ёки бошқа нарса ўрнида ишлатиладиган металл тўғаракча).

ЖЕЧЬ, жгу, жжёшь, жгут; жёг, жгла *несов.* 1 (*сов.* **сжечь**) *кого-что* ёндирмоқ, куйдирмоқ, ёқиб (ёндириб) юбормоқ, ёқмоқ; **~ бума́гу** қоғозни ёндириб ташламоқ; 2 *что* ёқмоқ; **~ дрова́** ўтин ёқмоқ; **~ у́голь** 1) кўмир ёқмоқ; 2) *спец.* писта кўмир қилмоқ; кўмир куйдирмоқ; 3 (*сов.* **сжечь**) *кого-что* и *без доп.* куйдирмоқ; ачиштирмоқ; **со́лнце так и жжёт** қуёш аёвсиз куйдиряпти; **горчи́чник жжёт** горчичник ачиштиряпти; 4 *перен. кого-что* и *без доп.* алам қилмоқ, оғир ботмоқ, ўртантирмоқ; куйдирмоқ; **слова́ незаслу́женного обвине́ния жгли его́** ноҳақ айблаш сўзлари унга алам қилди (уни ўртантириб юборди); 5 *что* куйдириб ўймоқ, нақш солмоқ.

ЖЕ́ЧЬСЯ, жгусь, жжёшься, жгу́тся; жёгся, жглась *несов.* 1 куйдирмоқ; ачитмоқ; ловуллатмоқ, узиб олмоқ; **раскалённая сковорода́ жжётся** қизиб турган това (қўлни) куйдиради (узиб олади); **крапи́ва жжётся** қичитқи ўт (баданни) талайди (ачиштиради); 2 *разг.* куйиб қолмоқ, бирор ерини куйдириб қўймоқ; **~ утюго́м** дазмол тегиб куйиб қолмоқ, дазмол тегизиб бирор ерини куйдириб қўймоқ; 3 *страд. от* **жечь** 1.

ЖЖЕ́НИЕ *с* 1 *по гл.* **жечь** 1, 2; 2 ловуллаш, ачиш, ачитиш.

ЖЖЁНКА *ж* ром ёки коньякдан қанд қўшиб қиздириб тайёрланган ичкилик.

ЖЖЁНЫЙ, -ая, -ое ўтда куйдирилган, қиздирилган; қовурилган; пиширилган, пишиқ; **~ко́фе** қовурилган кофе.

ЖИВЕ́Ц *м, р.* **-вца́** ем (қармоққа ем тариқасида илинадиган майда тирик балиқ), **лови́ть на живца́** қармоққа майда тирик балиқ илиб балиқ овламоқ.

ЖИВИ́НКА *ж разг.* жонлантирувчи (жон киритувчи) ҳаракат, ташаббус, ғайрат; **~ в де́ле** ишга жон киритувчи ташаббус, ғайрат.

ЖИВИ́ТЕЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое; лен, -льна одамни тетик қиладиган, жонлантирадиган, баҳр-дилини очадиган, куч-қувват берадиган, жонбахш, ҳаётбахш; **~ый во́здух гор** тоғнинг жонбахш (баҳр-дилни очадиган) ҳавоси; **~ая вла́га** *шутл.* обизамзам (ичкилик, шароб, арақ ҳақида).

ЖИВИ́ТЬ, -влю́, -ви́шь *несов. кого-что книжн.* тирилтирмоқ, жонлантирмоқ, жон киритмоқ, жон бағишламоқ, баҳри дилини очмоқ.

ЖИВИ́ТЬСЯ, -влю́сь, -ви́шься *несов. что уст.* бойлик орттирмоқ, фойда топмоқ.

ЖИВИ́ЦА *ж* игнабаргли дарахтларнинг смолали елими.

ЖИ́ВНОСТЬ *ж собир. разг.* 1 ҳар хил майда жониворлар, жондорлар; турфа ҳайвонлар; 2 хўжаликдаги бор жонлик, парранда-дарранда.

ЖИ́ВО *нареч.* 1 яққол, равшан, аниқ; худди шу бугунгидай; **~ предста́вить собы́тия про́шлого** ўтган воқеаларни яққол тасаввур этмоқ (худди шу бугунгидек эслаймоқ, кўз олдига келтирмоқ); 2 зўр, қаттиқ; жуда, ғоят; **~ интересова́ться** *чем-л.* қаттиқ қизиқмоқ; 3 қизиқарли қилиб, жонли, таъсирли; **~ описа́ть свои́ приключе́ния** ўз саргузаштларини қизиқарли қилиб тасвирламоқ; 4 *разг.* зудлик билан, тез, дарров, илдам, чаққон, ғизиллаб, зинғиллаб; **~ сбе́гать в магази́н** магазинга ғизиллаб бориб келмоқ.

ЖИВОГЛО́Т *м прост. презр.* одамни тириклайин ютадиган балохўр; эксплуататор.

ЖИВОДЁР *м* 1 *разг. уст.* тери шилувчи одам, саллоҳ; 2 *прост. презр.* шафқатсиз одам, ёвуз, золим; 3 *прост. презр.* юлғич одам, ноинсоф, очкўз.

ЖИВОДЁРНЯ *ж уст.* ҳайвонларни сўйиб терисини шиладиган жой, қушхона, саллоҳхона.

ЖИВОДЁРСТВО *с прост. презр.* 1 шафқатсизлик, бераҳмлик, золимлик; 2 юлғичлик, инсофсизлик, очкўзлик.

ЖИВ/О́Й, -а́я, -о́е 1 тирик, жонли; **~а́я ры́ба** тирик балиқ; **оста́ться в ~ы́х** тирик қолмоқ, соғ-саломат қолмоқ, омон қолмоқ; **лови́ть зве́ря ~ы́м** ҳайвонни тириклайин тутмоқ; 2 жон эгаларига оид; жонли; органик; **~а́я приро́да** жонли табиат; **~а́я и́згородь** яшил девор (ўсимликлардан иборат иҳота); **~ы́е цветы́** табиий гуллар; 3 ҳаётда, ҳақиқатда мавжуд (бор) бўлган, ҳаётдан олинган, ҳаётий, чин, ҳақиқий; **~ы́е геро́и рома́на** романнинг ҳаётий (ҳаётдан олинган) қаҳрамонлари; **изобрази́ть ~ы́х люде́й** ҳаётда (ҳақиқатда) бор одамларни тасвирламоқ; **~а́я действи́тельность** ҳақиқий воқелик; 4 жонли, қайноқ, одам қайнаган, гавжум; **Са́мым ~ы́м ме́стом [в Запо́лье] явля́лся ста́рый гости́ный двор** (Мамин-Сибиряк) [Запольеда] энг гавжум (одам қайнаган) жой эски раста эди; 5 *перен.* жўшқин, жўш (мавж) уриб, тўлқинланиб турган, ҳаракатдаги; 6 питрак, тийрак, жонли, тез, илдам, чаққон, серғайрат, серҳаракат; шўх; **~о́й ребёнок** шўх бола, тийрак бола; 7 яққол, жонли, ифодали, таъсирчан, қизиқарли; **~о́й расска́з** жонли ҳикоя, қизиқарли ҳикоя; **~о́е лицо́** жонли чеҳра; **~о́й взгляд** жонли (маънодор) қараш; 8 қизғин, жўшқин, руҳли; **~а́я торго́вля** қизғин савдо; **~а́я бесе́да** қизғин суҳбат; 9 муҳим ҳаётий аҳамиятга эга бўлган, ҳаёт талабларига жавоб берадиган, ҳаётий, амалий; **~о́е начина́ние** ҳаётий (амалий) ташаббус; 10 зўр, кучли, қаттиқ, ўткир; **~о́й интере́с** зўр қизиқиш; 11 фикри-зикри бирор нарсада бўлган; бирор нарсага умид боғлаган, ишонган; **он ~ одно́й наде́ждой** у умид билангина тирик, у фақат биргина умид билан яшайди; **чем он ~?** у нимага ишонади?; у нима билан кун кечиради?; 12 унутилмаган, ҳали ёдда бўлган; тирик, барҳаёт; **студе́нческие го́ды всё ещё ~ы в его́ па́мяти** студентлик йиллари ҳали унинг ёдида; **он ещё ~** у барҳаёт; ✦ **жив-здоро́в** соғ-саломат; **~а́я си́ла** 1) иш кучи (одамлар ва от-уловлар); 2) *воен.* солдат ва офицерлар; 3) *физ. уст.* жонли куч, кинетик энергия; **~о́й инвента́рь** от-улов; **~о́го ме́ста нет** (или **не оста́лось**) соғ жойи қолмади; урилмаган (шикастланмаган) жойи қолмади, дабдала бўлди; **~а́я вода́** обиҳаёт, ҳаёт суви (эртакларда); **~о́е преда́ние** аждоддан авлодга ўтиб келаётган нақл, ривоят, достон, афсона; **~о́й вес** жонли тирик вазни; **~о́й порте́т** *чей* бировнинг айни ўзгинаси, худди ўзи; **~о́й ум** ўткир ақл; **~о́й язы́к** жонли (амалдаги) тил; **на ~у́ю ни́тку** омонат, амал-тақал қилиб, наридан-бери; **заде́ть за ~о́е** қалтис (нозик) еридан ушламоқ, қаттиқ тегмоқ; **ни ~ ни мёртв** серрайиб (тахта бўлиб) қотиб қолган (қўрқув ва ҳ. к. дан).

ЖИВОПИСА́ТЬ, -су́ю, -су́ешь *сов. и несов. что высок. уст.* қизиқарли ва ифодали тасвирламоқ.

ЖИВОПИ́СЕЦ *м, р.* **-сца** рассом.

ЖИВОПИ́СН/ЫЙ, -ая, -ое; -сен, -сна 1 рассомликка оид: рассомлик...; **~ая те́хника** рассомлик техникаси; 2 чиройли, гўзал; **~ый вид** чиройли манзара, хушманзара; 3 образли, ифодали, таъсирчан; **~ый расска́з** ифодали ҳикоя.

ЖИВОПИС/Ь *ж* 1 рассомлик санъати; рассомлик; 2 *собир.* шу санъат асарлари, расмлар, тасвирлар; **стенна́я ~ь** деворий расмлар; **вы́ставка ~и** расмлар виставкаси.

ЖИВОРОДЯЩ/ИЙ, -ая, -ее *зоол.* бола туғадиган (тухум очмай болалайдиган); **~ая я́щерица** бола туғадиган калтакесак; **~ая ры́ба** бола туғадиган балиқ.

ЖИВОРЫБН/ЫЙ, -ая, -ое тирик балиқ сақланадиган (ёки ташийдиган); **~ый сад**о́к тирик балиқ асрайдиган ҳовузча; **~ое су́дно** тирик балиқ ташийдиган кема.

ЖИВОСЕЧЕ́НИЕ *с то же, что* **вивисе́кция.**

ЖИ́ВОСТЬ *ж* 1 питраклик, тийраклик, жонлилик; тезлик, илдамлик, чаққонлик; **с ~ю** тез, илдам, чаққонлик билан; 2 жонлилик, ифодалилик, таъсирчанлик.

ЖИВО́Т I *м* қорин; **подтяну́ть ~** қорнини ичига олмоқ (тортмоқ); **лежа́ть на ~е** қорни билан (юзтубан) ётмоқ; 2 *разг.* меъда, ошқозон, қурсоқ.

ЖИВО́Т II *м уст.* ҳаёт; ✦ **не на ~, а на́ смерть** *то же, что* **не на жизнь, а на́ смерть** *см.* **жизнь.**

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЖИВО́Т III *м уст.* и *обл.* уй ҳайвонлари, мол, туёқ, мол-дунё.

ЖИВОТВОРИ́ТЬ *несов. кого-что уст.* тирилтирмоқ, жонлантирмоқ, жон киргизмоқ, ғайратлантирмоқ.

ЖИВОТВО́РНОСТЬ *ж* ғайрат бағишлаш, ҳаётбахшлик.

ЖИВОТВО́РН/ЫЙ, -ая, -ое; -рен, -рна *высок.* тирилтирадиган, жонлантирадиган, жон киргизадиган, куч-қувват берадиган, ғайратлантирадиган; жонбахш, ҳаётбахш; **~ая дру́жба наро́дов СССР** СССР халқларининг ҳаётбахш дўстлиги; **~ая си́ла любви́** муҳаббатнинг ҳаётбахш кучи.

ЖИВОТВОРЯ́ЩИЙ, -ая, -ее 1 *прич. от* **животвори́ть; 2** *в знач. прил. то же, что* **животво́рный.**

ЖИВО́ТИК *м уменьш.-ласк. от* **живо́т** I қоринча; ✦ **~и надорва́ть** *прост.* кула-кула ичаги узилмоқ.

ЖИВОТИ́НА *ж прост.* уй ҳайвони, мол.

ЖИВОТНОВО́Д *м* чорвадор; чорвачилик мутахассиси.

ЖИВОТНОВО́ДСТВО *с* 1 чорвачилик, чорва моллари боқиш ва урчитиш; **продукти́вное ~** маҳсулдор чорвачилик; 2 чорвачилик илми.

ЖИВОТНОВО́ДЧЕСК/ИЙ, -ая, -ое чорвачиликка оид; чорвачилик билан шуғулланадиган; чорвачилик...; **~ая фе́рма** чорвачилик фермаси; **~ие совхо́зы** чорвачилик совхозлари.

ЖИВО́ТН/ОЕ *с, р.* **-ого 1** махлуқ, ҳайвон, жонивор; **дома́шние ~ые** уй ҳайвонлари; **хи́щное ~ое** йиртқич ҳайвон; 2 *перен. разг.* ҳайвонга ўхшаган одам, ҳайвон, мол, ҳўкиз.

ЖИВО́ТНЫЙ, -ая, -ое 1 ҳайвонларга, махлуқотга оид; ҳайвон(лар)...; мол(лар)...; ҳайвонот...; **~ мир** ҳайвонот олами; **~ жир** мол ёғи; 2 *перен.* ҳайвонларгагина хос бўлган, ҳайвоний, ғайри шуурий; шаҳвоний; **~ страх** ғайри шуурий қўрқув; **живо́тное чу́вство** ҳайвоний ҳис, шаҳвоний ҳис; ✦ **~ э́пос** ҳайвонлар ҳақидаги эпос (эртак, ривоятлар, ҳикоялар ва ҳ. к.); **~ орна́мент** ҳайвонлар тасвирланган орнамент.

ЖИВОТРЕПЕ́ЩУЩИЙ, -ая, -ее 1 энг зарур, энг муҳим, шу кунги; ҳаммани қизиқтирадиган, ҳаётий; **~ вопро́с** энг муҳим масала, шу кунги муҳим масала; 2 *шутл.* қалқиб турган, омонат.

ЖИВУ́ЧЕСТЬ *ж* жони қаттиқлик, жони сабиллик, яшовчанлик, яшамоллик.

ЖИВУ́Ч/ИЙ, -ая, -ее 1 жони қаттиқ, жони сабил, чидамли, яшовчан, яшамол; **~ий челове́к** жони сабил одам; **~ее расте́ние** чидамли ўсимлик; **~ий как ко́шка** *погов.* мушукдек яшовчан, жони қаттиқ; 2 узоқ вақт сақланадиган, йўқолмайдиган, йўк бўлиб кетмайдиган, йўқолиши (барҳам топиши) қийин; **~ие пережи́тки** йўқолиши қийин сарқитлар.

ЖИ́ВЧИК *м* 1 *то же, что* **живе́ц;** 2 *прост.* абжир одам, чаққон одам; 3 *разг.* пирпираш, учиш; томир ҳаракати, тепиши, уриши; 4 *биол.* эркак уруғининг ҳужайраси, сперматозоид.

ЖИВЬЁМ *нареч.* тириклайин, тирик ҳолда, тириклигича.

ЖИ́ДК/ИЙ, -ая, -ое; -док, -дка́, -дко; жи́же 1 суюқ ҳолдаги; суюқ; **~ое вещество́** суюқ модда; **~ий газ** суюқ (суюлтирилган) газ; 2 суюқ, серсув; **~ая смета́на** суюқ қаймоқ; **~ий чай** суюқ чой; суюлиб қолган чой; **~ий клей** суюқ елим; 3 сийрак, яккам-дуккам; **~ий лес** сийрак ўрмон; **~ая расти́тельность** яккам-дуккам (сийрак) ўсимликлар; **~ие во́лосы** сийрак соч; 4 *перен.* кучсиз, бўш, заиф, нимжон; **~ие му́скулы** заиф мускуллар; 5 *перен.* бўш, кучсиз, ишонарли (етарли) бўлмаган; **~ий аргуме́нт** кучсиз далил; етарли (ишонарли) бўлмаган асос.

ЖИ́ДКОСТН/ЫЙ, -ая, -ое *тех.* суюқликка оид; суюқлик воситасидаги; суюқлик...; **~ые сво́йства** суюқлик хоссалари.

ЖИ́ДКОСТЬ *ж* 1 суюқлик, суюқ модда; 2 сийраклик; **~ воло́с** сочнинг сийраклиги; 3 бўшлик, заифлик; **~ му́скулов** мускулларнинг заифлиги.

ЖИ́ЖА *ж* 1 атала; суюқ лой, балчиқ; **наво́зная ~** шалтоқ; 2 *разг.* овқатнинг суви, шўрваси.

ЖИ́ЖЕ *см.* **жи́дкий.**

ЖИ́ЖИЦА *м разг уменьш. от* **жи́жа.**

ЖИЗНЕДЕ́ЯТЕЛЬНОСТ/Ь *ж* 1 *биол.* организмнинг ҳаёт учун зарур хизматлари мажмуи; тирик организм фаолияти; 2 *перен.* иш, ишлаш, фаолият; 3 кишининг ҳаёти ва фаолияти; **ле́кция о ~и И. В. Мичу́рина** И. В. Мичурин ҳаёти ва фаолияти ҳақидаги лекция.

ЖИЗНЕДЕ́ЯТЕЛЬНЫ/Й, -ая, -ое 1 *биол.* тириклик учун хизмат қила оладиган; тирик; **~е кле́тки** тирик ҳужайралар; 2 *книжн.* серғайрат, ишчан, фаол.

ЖИЗНЕЛЮ́Б *м* ҳаётни севадиган одам.

ЖИЗНЕЛЮ́БЕЦ *м, р.* **-бца** *то же, что* **жизнелю́б.**

ЖИЗНЕЛЮБИ́ВЫЙ, -ая, -ое ҳаётни яхши кўрадиган, ҳаётни севувчи.

ЖИЗНЕЛЮ́БИЕ *с* ҳаётни яхши кўриш, севиш.

ЖИ́ЗНЕННОСТЬ *ж* 1 яшай олиш, яшовчанлик, яшамоллик; 2 ҳаётийлик, ҳаётий зарурлик, ҳаётий куч, умри боқийлик; ўлмаслик; **си́ла, ~ и непобеди́мость ле́нинских иде́й подтверждены́ пра́ктикой, о́пытом исто́рии** Ленин ғояларининг кучи, ҳаётийлиги ва енгилмаслиги амалда ва тарих тажрибасида тасдикланган; 3 ҳаётийлик, ҳаётга яқинлик, чинлик, ҳақиқийлик; **~ о́браза** образнинг ҳаётийлиги.

ЖИ́ЗНЕНН/ЫЙ, -ая, -ое 1 организм ҳаётига, тирикликка оид; ҳаётий; **~ые фу́нкции** ҳаётий функциялар, ҳаёт билан боғлиқ бўлган вазифалар; 2 ҳаётда, турмушда бўлган (бўладиган), ҳаётдан, турмушдан олинган, ҳаётга яқин, ҳаёт талабларига мос, ҳаётий; ҳаёт...; турмуш...; **~ый о́пыт** ҳаёт (турмуш) тажрибаси; **~ый о́браз** ҳаётий образ, турмушдан олинган образ; 3 ҳаётий, зарурий, зарур, муҳим; **~ое предложе́ние** муҳим (зарур) таклиф.

ЖИЗНЕОБЕСПЕ́ЧЕНИ/Е ҳаётни (тирикликни) таъмин қилиш; **систе́ма ~я в косми́ческом корабле́** космик кемада ҳаётни (тирикликни) таъминлаш системаси.

ЖИЗНЕОПИСА́НИЕ *с* таржиман ҳол, биография.

ЖИЗНЕОЩУЩЕ́НИЕ *с книжн.* ҳаётни, ташқи дунёни ҳис этиш, идрок қилиш; ҳис-туйғу, ҳиссиёт, кайфият; **ра́достное ~** хурсандлик кайфияти, шод-хуррамлик.

ЖИЗНЕПОНИМА́НИЕ *с книжн.* ҳаётга қараш, ҳаётни тушуниш, ҳаёт ҳақидаги тушунчалар, фикрлар.

ЖИЗНЕ́РАДОСТНОСТЬ *ж* хушчақчақлик, қувноқлик, шодмонлик.

ЖИЗНЕРА́ДОСТНЫЙ, -ая,-ое; -тен, -тна хушчақчақ, қувноқ, шодмон; **~ челове́к** қувноқ одам.

ЖИЗНЕСПОСО́БНОСТЬ *ж* яшаш қобилияти, яшамоллик, яшовчанлик.

ЖИЗНЕСПОСО́БНЫЙ, -ая, -ое; -бен, -бна 1 яшашга қобил, яшовчан, яшамол; **~ органи́зм** яшовчан организм; 2 *перен.* гуллаб-яшнайдиган, ривож топадиган, баривож; **~ коллекти́в** ривож топадиган (баривож) коллектив.

ЖИЗНЕСТО́ЙКИЙ, -ая, -ое; -о́ек, -о́йка ҳаётий кучга эга бўлган, умри боқий; чидамли, бардошли.

ЖИЗНЕУСТРО́ЙСТВО *с* тирикчилик учун зарур шароитларнинг мавжудлиги ёки уларни яратиш.

ЖИЗНЕУТВЕРЖДА́ЮЩ/ИЙ, -ая, -ее оптимистик руҳ (ишонч) бағишлайдиган, руҳни кўтарадиган, оптимистик; **~ая сове́тская литерату́ра** оптимистик совет адабиёти.

ЖИЗН/Ь *ж* 1 ҳаёт (материянинг тирик яшаш формаси); **возникнове́ние ~и на Земле́** Ер юзида ҳаётнинг пайдо бўлиши; **~ь расти́тельного ми́ра** ўсимлик оламининг ҳаёти; 2 яшаш, ҳаёт; тириклик; **дать ~ь** *высок.* дунёга келтирмоқ; туғмоқ; **уйти́ из ~и** ўлмоқ, оламдан ўтмоқ; **при ~и** ҳаёт вақтида, тириклигида; 3 турмуш, тирикчилик, ҳаёт; **семе́йная ~ь** оилавий ҳаёт; **ра́достная ~ь** қувноқ ҳаёт; 4 умр ёки унинг маълум даври, ҳаёт; **еди́нственный раз в ~и** умрида (ҳаётида) атиги бир марта; **в тече́ние ~и** умр бўйи; **на всю ~ь** умрининг охиригача, абадий, умрбод; **~ь прожи́ть — не по́ле перейти́** *посл.* умр кечириш дунёнинг бу ёғидан кириб, у ёғидан чиқиш эмас; ҳаёт ўйинчоқ эмас; **Князь Андре́й стал вспомина́ть свою́ петербу́ргскую ~ь...** (Л. Толстой) Князь Андрей умрининг Петербургда ўтган даврини (Петербургдаги ҳаётини) эслай бошлади; 5 яшаш (ҳаёт) тарзи; ҳаёт; **городска́я ~ь** шаҳар ҳаёти; 6 фаолият, ҳаёт; **обще́ственная ~ь** ижтимоий ҳаёт; **экономи́ческая ~ь** иқтисодий ҳаёт; 7 воқелик; реал ҳаёт (турмуш); **сюже́т из ~и** ҳаётдан (турмушдан) олинган сюжет; **войти́ в ~ь** воқеликка айланмоқ; амалга ошмоқ; 8 қайноқ ҳаёт, жўшқинлик, гавжумлик; **у́лицы полны́ ~ью** кўчаларда ҳаёт қайна-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ган; ✦ **дать ~и** *прост.* кунини кўрсатмоқ, адабини бериб қўймоқ; **как ~ь?** *разг.* аҳволингиз қалай?; қалайсиз?; яхшимисиз?; **не на ~ь, а на́ смерть** ҳаёт-мамот учун; ё ўлиш, ё қолиш деб, астойдил; **вопро́с ~и и сме́рти** ҳаёт-мамот масаласи; **по гроб ~и** то ўлгунча; **ни в ~ь** *прост.* ҳеч қачон, ҳеч, сира, асло; **не от хоро́шей ~и** ноилож, иложсизликдан; **подру́га ~и** умр йўлдоши, рафиқа; **устро́ить весёлую ~ь** *кому разг. шутл.* таъбини хира (тирриқ) қилмоқ, кунини кўрсатмоқ.

ЖИКЛЁР *м тех.* жиклёр (суюқлиқ ёки газни ўлчовли миқдорда ўтказиб турувчи калибрланган тешикли деталь).

ЖИЛ/А I *ж* 1 *разг.* томир, қон томири; пай, чандир; 2 *геол.* ер пўстининг тоғ жинсларга бой томирсимон ёриғи ва ундаги тоғ жинси; **напа́сть на золоту́ю ~у** 1) олтин кони топмоқ; 2) *перен* омади келмоқ, осон даромад манбаи топмоқ; 3 *тех.* сим, томир (кабелда); ✦ **тяну́ть ~ы** *из кого* жонини олмоқ (суғурмоқ); жондан безор қилмоқ; қон-қора қақшатмоқ; **кровь в ~ах сты́нет** даҳшат босади, даҳшатли.

ЖИЛА II *м* и *ж прост.* қурумсоқ одам, хасис, бахил.

ЖИЛЕ́Т *м* нимча, жилетка.

ЖИЛЕТК/А *ж, р. мн.* **-ток** *разг. то же, что* **жиле́т**; ✦ **пла́кать в ~у** *разг. шутл.* нолимоқ, ҳасрат қилмоқ.

ЖИЛЕ́Ц *м, р.* **-льца́** 1 *уст.* яшовчи, истиқомат қилувчи, турувчи; 2 квартирада турувчи одам; ижара ўтирувчи; ✦ **не ~ (на э́том** или **бе́лом све́те)** умри оз қолди, паймонаси тўлиб турибди.

ЖИЛИСТ/ЫЙ, -ая, -ое 1 чандир, тиришқи; **~ое мя́со** чандир гўшт; 2 томирлари бўртиб чиққан, чайир; қотма, қотмадан келган; **~ый челове́к** чайир одам; **~ые ру́ки** томирлари бўртиб чиққан қўллар.

ЖИЛИ́ТЬ *несов. что* и *без доп. прост.* бировникини босиб қолмоқ; ҳақини, тегишини уриб қолмоқ, ўзлаштирмоқ.

ЖИЛИ́ТЬСЯ *несов. прост.* кучанмоқ, чиранмоқ, тиришмоқ.

ЖИЛИ́ЩА *ж уст. см.* **жиле́ц.**

ЖИЛИ́ЧКА *ж, р. мн.* **-чек** *разг. см.* **жиле́ц** 2.

ЖИЛИ́ЩЕ *с* турар жой, уй-жой, макон; истиқоматгоҳ.

ЖИЛИ́ЩН/ЫЙ, -ая, -ое уй-жойга оид; уй-жой...; **~ое строи́тельство** уй-жой қурилиши; **~ые усло́вия** турар жой (уй-жой) шароити.

ЖИЛКА *ж, р. мн.* **-лок** 1 ингичка томир (қон томири); пайча; 2 *бот. зоол.* томир (ўсимлик баргларида, ҳашаротларнинг қанотида ва ҳ. к.); 3 тарам, йўл, чизиқ; **зелёный мра́мор с чёрными ~ми** қора чизиқлари бўлган яшил мармар; 4 *перен. какая* или *чья разг.* туғма қобилият, истеъдод, мойиллик; **у него́ артисти́ческая ~** унинг артистлик қобилияти бор; **организа́торская ~** ташкилотчилик қобилияти.

ЖИЛ/О́Й, -а́я, -о́е яшаш учун яроқли, яшаш учун белгиланган, мўлжалланган; одамлар яшайдиган; турар жой...; **~о́е зда́ние** турар жой биноси; ✦ **~а́я ко́мната** *разг.* ётоқхона мебели комплекси.

ЖИЛО́ЧКА *ж, р. мн.* **-чек** *уменьш.-ласк. от* **жи́лка** 1—3.

ЖИЛПЛО́ЩАДЬ *ж* (жила́я пло́щадь) турар жой (уй, квартира).

ЖИЛЬ/Ё *с* 1 маскан, одамлар турадиган, яшайдиган, ер, жой; **нет при́знаков ~я** одамлар турадиган жойдан асар ҳам кўринмайди; 2 турар жой, уй-жой (кулба, хона ва ҳ. к.); 3 *разг.* туриш, яшаш, истиқомат қилиш; **го́дное для ~я помеще́ние** яшаш учун яроқли уй, хона.

ЖИМ *м спорт.* силтамасдан тик кўтариш, даст кўтариш; **~ двумя́ рука́ми** (штангани) икки қўллаб тик кўтариш.

ЖИМОЛОСТЬ *ж* шилви, учқат (бута ўсимлик).

ЖИР *м, мн.* **-ы́** ёғ, жир, мой; **ры́бий ~** балиқ мойи; ✦ **ло́пается от ~у** (или **с ~у**) *разг.* жуда семиз, тирсиллаб турипти (одам ҳақида); **с ~у поси́ться** тўқликка шўхлик қилмоқ, бойликдан қутурмоқ.

ЖИРАФ *м* и **ЖИРАФА** *ж* жирафа, зирофа.

ЖИРЕ́ТЬ *несов.* семирмоқ, ёғ босмоқ.

ЖИРНИК *м обл.* қора чироқ, мой чироқ.

ЖИРНОМОЛО́ЧНЫЙ, -ая, -ое ёғли сут берадиган, сути ёғли; **~ скот** ёғли сут берадиган (сути ёғли) мол.

ЖИ́РНОСТЬ 1 ёғининг миқдори; кўп-озлиги; **ёғлилик; серёғлик, сермойлик; ~ молока́ четы́ре проце́нта** сутнинг ёғлилиги тўрт процент; 2 семизлик; бўрдоқилик.

ЖИ́РН/ЫЙ, -ая, -ое; -рен, -рна́, -рно 1 ёғи кўп, серёғ, сермой, ёғли; **~ый плов** ёғли палов; **~ая смета́на** серёғ қаймоқ; **~ое мя́со** ёғли гўшт; 2 ёғдан ҳосил бўлган, ёққа беланган; ёғли; ёғ...; **~ые ру́ки** ёғли қўллар; **~ое пятно́** ёғли доғ; ёғ доғи; 3 семиз, бўрдоқи; **~ый кот** семиз мушук; 4 *перен.* жири кўп, бой, семиз; **~ый чернозём** семиз қоратупроқ; 5 *перен.* қуюқ жирли; **~ая грязь** қуюқ лой; 6 қуюқ, қора; **~ый шрифт** қора ҳарфлар; ✦ **~ый кусо́к** бирор нарсанинг лўнда қисми; нўмай пул, даромад; **~о бу́дет** *прост.* кўплик (ортиқлик) қилади; кўпайиб кетмайдимикин!

ЖИРОВА́ТЬ, -ру́ю, -ру́ешь *несов. спец.* 1 *что* мойламоқ, мой (ёғ) шимдирмоқ; 2 ўтламоқ, овқат емоқ (ёввойи ҳайвон ва қушлар ҳақида); 3 ғовламоқ, ғовлаб кетмоқ.

ЖИРОВИ́К I *м, р.* **-а́** *обл. то же, что* **жи́рник.**

ЖИРОВИ́К II *м, р.* **-а́** 1 *мед.* ёғли шиш, ёғ тўқималаридан иборат ўсма; 2 *то же, что* **тальк.**

ЖИРО́ВКА I *ж, р. мн.* **-вок** *разг. то же, что* **жироприка́з.**

ЖИРО́ВК/А II *ж* ўтлаш, доплаш, ёйилиш, озиқланиш (ёввойи ҳайвон ва қушлар ҳақида); **кабаны́ вы́шли на ~у** ёввойи чўчқалар озиқланишга чиқди.

ЖИРОВ/О́Й, -а́я, -о́е 1 ёғли, таркибида ёғ бўлган; ёғ...; **~ые тка́ни** ёғли тўқималар; ёғ тўқималари; 2 ёғ ишлайдиган, ёғ маҳсулотини берадиган; **~а́я промы́шленность** ёғ саноати.

ЖИРО́К *м, р.* **-рка́** *уменьш.-ласк. от* **жир.**

ЖИРОПО́Т *м спец.* ёғли тер (қўйларнинг терисида ёғ ва тер безларидан чиқадиган модда).

ЖИРОПРИКА́З *м спец.* жировка, жироприказ (банк ёки омонат кассага қўйилган пулни бировга бериш ҳақида пул эгасининг ёзма буйруғи).

ЖИРОСКО́П *м то же, что* **гироско́п.**

ЖИРОТОПЛЕ́НИЕ *с спец.* ёғ эритиш.

ЖИРОТО́ПНЫЙ, -ая, -ое *спец.* ёғ эритадиган (эритувчи); ёғ эритиш...

ЖИТЕЙСК/ИЙ, -ая, -ое тирикчиликка, турмушга, рўзғорга оид; тирикчилик билан боғланган, турмушда бўладиган, оддий, кундалик; **~ий разгово́р** тирикчилик ташвишлари ҳақидаги гап; **~ие забо́ты** тирикчилик ташвишлари; **де́ло ~ое** *разг.* турмушда бўладиган оддий гап; кундалик (ҳар куни бўлиб турадиган) иш, гап, ҳаракат; **~ая му́дрость** ҳаётда орттирилган донишмандлик.

ЖИ́ТЕЛЬ *м* истиқомат қилувчи, яшовчи, турувчи; **городско́й ~** шаҳарда яшовчи одам, шаҳарлик; **се́льский ~** қишлоқда яшовчи одам, қишлоқлик; **ме́стный ~** шу ернинг одами, ерли, маҳаллий одам.

ЖИТЕЛЬНИЦА *ж см.* **жи́тель.**

ЖИТЕЛЬСТВ/О *с* бирор ерда яшаш, туриш, истиқомат қилиш; **ме́сто постоя́нного ~а** доимий турадиган (турар) жойи.

ЖИТЕЛЬСТВОВАТЬ *несов. уст.* бирор ерда яшамоқ, турмоқ, истиқомат қилмоқ.

ЖИТИ/Е́ *с* 1 *церк. лит.* авлиё-анбиёлар ҳаёти ҳақидаги қисса, ривоят; **~я́ святы́х** авлиёлар ҳақидаги қиссалар; 2 *уст. шутл.* ҳаёт, умр, турмуш; **ми́рное ~е́** тинч яшаш; тинч ҳаёт.

ЖИТИЙН/ЫЙ, -ая, -ое *лит.* ҳаётга, турмушга оид; **~ая литерату́ра** авлиё-анбиёлар ҳаёти ҳақидаги адабиёт.

ЖИТНИЦА *ж* 1 *уст.* ғалла омбори, ғаллахона, донхона; 2 *высок.* кўп ғалла берадиган ўлка, ғалла кони; **Казахста́н — ~ страны** Қозогистон мамлакатимизнинг ғалла конидир.

ЖИТНЫЙ, -ая, -ое ғаллага оид; ғалла...; *см.* **жи́то.**

ЖИТНЯК *м, р.* **-а́** эркак ўт (хашак бўладиган кўпйиллик ўт тури).

ЖИ́ТО *с* баъзи жойларда — арпа, баъзи жойларда — сули, баъзи жойларда эса, умуман ҳар қандай ғалла, нон.

ЖИТУ́ХА *ж прост.* фаровон турмуш, роҳат-фароғат, маишат; **ну и ~ тебе́ бу́дет!** ана энди маишатинг зўр бўлади!

ЖИТЬ, живу́, живёшь; жил, жила́ *несов.* 1 яшамоқ,

www.ziyouz.com kutubxonasi

умр кўрмоқ, умр кечирмоқ; ҳаёт (барҳаёт, тирик) бўлмоқ; **до́лго ~** узоқ яшамоқ, узоқ умр кўрмоқ; **~ до глубо́кой ста́рости** қариб-чуриб юрмоқ, **цветы́ не мо́гут ~ в темноте́** гуллар қоронғиликда ўса олмайди (ривожланмайди); **~бы да ~** ҳали яшаса бўларди (ёш ўлган одам ҳақида); 2 яхши (беармон) яшамоқ, умрини, ҳаётини роҳат-фароғатда ўтказмоқ; **~-пожива́ть** роҳат-фароғатда яшамоқ, фаровон яшамоқ; 3 яшамоқ, турмоқ, истиқомат қилмоқ; **~ в Ташке́нте** Тошкентда яшамоқ; **~ с роди́телями** ота-оналар билан бирга турмоқ; 4 *чем, на что* бирор нарса ҳисобига ёки бирор иш билан кун кечирмоқ, яшамоқ, тирикчилик қилмоқ; **~ свои́м трудо́м** ўз меҳнати билан кун кечирмоқ; **~ на литерату́рные за́работки** адабиёт орқасида қалам ҳақи билан яшамоқ; 5 *кем-чем* умрини, ҳаётини бирор нарсага бағишламоқ; фикри-зикри билан яшамоқ, бирор нарсани ҳаётининг кўрки, лаззати, мазмуни деб тушунмоқ; **~ детьми́** умрини болаларига бағишламоқ, болаларим (фарзандларим) деб яшамоқ; фикри-зикри болаларида бўлмоқ; **~ наде́ждой** *на что-л.* умид боғламоқ, умид билан яшамоқ; **~ нау́кой** илм-фанга берилиб яшамоқ; илм-фанга муккасидан кетмоқ; 6 *кем и с нареч.* бирор тарзда, кайфиятда, ҳолда яшамоқ, кун кўрмоқ, кун ўтказмоқ, тирикчилик қилмоқ, яшамоқ; **~ ве́село** шод-хуррам яшамоқ; қувноқ (ўйин-кулги билан) кун кечирмоқ; **~ отше́льником** танҳоликда яшамоқ, одамларга аралашмай (одамлардан ажралиб) кун кечирмоқ; 7 *с кем* муносабатда бўлмоқ, қандайдир муносабатда бўлиб турмоқ, яшамоқ; **~ дру́жно с сосе́дями** қўшнилар билан тотув (аҳил, иноқ) яшамоқ; 8 *с кем разг.* ишқий муносабатда яшамоқ; ўйнаш бўлмоқ, дон олишиб юрмоқ; **~ с сосе́дкой** қўшни хотин билан яшамоқ (дон олишмоқ); 9 *перен.* бўлмоқ, бор бўлмоқ (фикр, ғоя ва ҳ. к. ҳақида); 10 *уст.* бировникида, унинг хизматида яшамоқ (кун кечирмоқ); **~ в дво́рниках** бировникида дарбон (қоровул) бўлиб яшамоқ; **~ гувернáнткой** бировникида мураббия бўлиб кун кечирмоқ; ✦ **веле́л** (или **приказа́л**) **до́лго ~** қазо қилди, бандаликни бажо келтирди, ўлди, вафот этди; **жил-был** или **жи́ли-бы́ли** бор экан, йўқ экан; **за здоро́во живёшь** ҳеч қандай асоссиз, сабабсиз, ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ; ҳе йўқ, бе йўқ; бекордан-бекорга; ана холос.

ЖИ́ТЬЕ *с разг.* 1 яшаш тарзи, шаронти; ҳаёт; умр; **солда́тское ~** солдат ҳаёти, **беззабо́тное ~** беташвиш ҳаёт; 2 *кому* яхши турмуш, маишат, роҳат-фароғат; **~ нам бу́дет в дере́вне** қишлоқда турмушимиз яхши бўлади; **житья́ нет** *от кого́* кун йўқ (бировнинг дастидан); 3 яшаш, туриш, истиқомат қилиш; ✦ **~-бытьё** тирикчилик, турмуш, ҳаёт.

ЖИ́ТЬСЯ, живётся, жило́сь *несов. кому разг.* 1 турмуш шароити ҳақида айтилади; **нам живётся хорошо́** биз яхши турмуш кечиряпмиз (яшаяпмиз), турмушимиз яхши; 2 (бирор ерда туриш, бирор шароитда яшаш ва ҳ. к. ни) хоҳламайди, ёқтирмайди; **ему́ не живётся на одно́м ме́сте** у бир ерда муқим туролмайди, у бир ерда қўним топмайди.

ЖМОТ *м прост.* зиқна одам, қурумсоқ.

ЖМУ́РИТЬ *несов.* (*сов.* **зажму́рить**) *что* (кўзни) юммоқ, қисмоқ.

ЖМУ́РИТ/ЬСЯ *несов.* (*сов.* **зажму́риться**) кўзни қисмоқ, кўзни қисиб қарамоқ; **кот ~ся у огня́** мушук олов ёнида кўзларини қисиб ўтиришти (ётипти).

ЖМУ́РКИ *мн., р.* **-рок** кўз боғлаш (ўйин); ✦ **игра́ть в ~** *см.* **игра́ть.**

ЖМЫХИ́ *мн. (ед.* **жмых** *м)* кунжара; **хло́пковый ~** чигит кунжараси; **льняно́й ~** зиғир кунжараси.

ЖНЕ́ЙКА *ж, р. мн.* **-е́ек** *то же, что* **жа́тка.**

ЖНЕЦ *м, р.* **-а́** ўроқчи.

ЖНЕЯ *ж уст. и обл. то же, что* **жни́ца.**

ЖНИ́ВО *с обл.* 1 *то же, что* **жнивьё**; 2 *то же, что* **жа́тва** 1.

ЖНИВЬЁ *с* 1 анғиз; 2 *обл.* ўроқ вақти; ўрим-йиғим.

ЖНИТВО́ *с обл.* 1 *то же, что* **жнивьё**; 2 даладаги буғдой; ўрилган бугдой.

ЖНИ́ЦА *ж* ўроқчи аёл.

ЖОКЕ́Й *м* жокей (пойгачи-чавандоз).

ЖОКЕ́ЙСКИЙ, -ая, -ое жокейга оид; жокей.

ЖОМ *м спец.* 1 пресс, қисқич, исканжа; 2 турп, қолдиқ (сиқиб суви олинган нарса қолдиғи); **виногра́дный ~** узумнинг турпи; **свекло́вичный ~** лавлаги турпи.

ЖОНГЛЁР *м* жонглёр.

ЖОНГЛЁРСК/ИЙ, -ая, -ое жонглёрга оид; жонглёр...; **жонглёрлик...; ~ое иску́сство** жонглёрлик санъати.

ЖОНГЛЁРСТВ/О *с* 1 жонглёрлик; 2 *перен.* сўз, факт ва ш. к. дан ўз истаганича фойдаланиш, уларни усталик билан хоҳлаган томонга буриш, сохталаштириш; фирибгарлик; **полити́ческое ~о** сиёсий фирибгарлик.

ЖОНГЛИ́РОВАТЬ *несов. чем* 1 жонглёрлик қилмоқ; 2 *перен.* сохталаштирмоқ (сўз, факт ва ш. к. дан ўз истаганича фойдаланмоқ, уларни усталик билан хоҳлаган томонга бурмоқ); **~ цита́тами** цитаталардан ўз хоҳишича фойдаланмоқ.

ЖОР *м* балиқларнинг очиққан (қармоққа, емга ўзини уриб илинадиган) пайти.

ЖОХ *ж прост.* қаттиқ, эпчил одам, балойи азим; устомон; **ты, ви́дно, па́рень-~!** сен, афтидан, бало йигит кўринасан! (балойи азимга ўхшайсан!).

ЖРАТВА *ж прост.* овқат-повқат, ош-пош, егулик.

ЖРАТЬ *несов.* (*сов.* **сожра́ть**) *что прост.* жиғилдонга урмоқ, емоқ, ғиппа-ғиппа (пок-покиза, паққос) тушмоқ.

ЖРЕ́БИЙ *м* 1 қуръа, чек; **броса́ть ~** қуръа (чек) ташламоқ; **тяну́ть ~** қуръа олмоқ; 2 *перен. уст.* тақдир, қисмат, пешана; ✦ **~ бро́шен** масала ҳал; гап тамом; бўлари бўлди; бошқа гап йўқ.

ЖРЕЦ *м, р.* **-а́** 1 коҳин (мажусийлар руҳонийси); 2 *перен. чего уст.* и *ирон.* фидойи, банда, бирор нарсага (мас., илм-фан, музика ва ҳ. к. га) берилган киши ҳақида; **~ы́ иску́сства** санъат фидойилари, санъат бандалари.

ЖРЕ́ЧЕСК/ИЙ, -ая, -ое коҳинларга оид; коҳин(лар)...; **~ая ка́ста** коҳинлар табақаси.

ЖРЕ́ЧЕСТВО *с собир.* коҳинлар; коҳинлик.

ЖРИ́ЦА *ж см.* **жрец.**

ЖУЖЕЛИ́ЦА *ж* сассиқ қўнғиз.

ЖУЖЖА́ЛЬЦА *мн., р.* **-лец** визиллагич қанотлар (паш., ша, чивин ва ш. к. ҳашаротларнинг орқа қанотлари).

ЖУЖЖ/А́ТЬ *несов.* 1 ғувилламоқ, ғўнғилламоқ, визилламоқ; **~ит му́ха** пашша ғувиллаяпти; **~ат пу́ли** ўқлар визиллаяпти (виз-виз, ғиз-ғиз ўтиб турибди); 2 *перен. разг.* ғинғилламоқ, минғилламоқ, ғиншимоқ.

ЖУЙР *м уст.* ялло қилиб юришдан, кайф-сафодан бошқани билмайдиган одам, тараллабедод, ишратпараст.

ЖУЙРОВАТЬ *несов. уст.* тараллабедод (ялло, айш-ишрат) қилиб юрмоқ, кайф-сафо суриб юрмоқ.

ЖУК *м, р.* **-а́** 1 қўнғиз; **навозный ~** гўнгқўнғиз; **ма́йский ~** тиллақўнғиз; 2 *перен. прост.* муғомбир одам, айёр, қув.

ЖУЛИК *м* 1 майда ўғри; 2 *разг.* фирибгар, қаллоб, муттаҳам.

ЖУЛИКОВА́ТЫЙ, -ая, -ое 1 муттаҳамроқ, қаллоброқ, алдам-қалдам ишларга мойил; **~ челове́к** муттаҳамроқ одам; 2 муттаҳамнамо, қаллобга ўхшаш; **~ вид** муттаҳамнамо кўриниш.

ЖУ́ЛИТЬ *несов. прост. то же, что* жульничать.

ЖУЛЬЁ *с собир. разг.* майда ўғрилар, қаллоблар, муттаҳамлар.

ЖУЛЬНИЧА́ТЬ *несов. разг.* қаллоблик қилмоқ, муттаҳамлик, ғирромлик қилмоқ; **~ в игре́** ўйинда ғирромлик қилмоқ.

ЖУЛЬНИЧЕСКИ/Й, -ая, -ое қаллобликдан иборат бўлган, алдам-қалдам; **~е проде́лки** муттаҳамликдан иборат хатти-ҳаракат, алдам-қалдам иш.

ЖУЛЬНИЧЕСТВО *с* муттаҳамлик, қаллоблик, ғирромлик.

ЖУПАН *м* жупан, чопон (украин ва поляклариинг қадимий уст кийими).

ЖУПЕЛ *м* қўрқитадиган, ваҳимага соладиган нарса, олабўжи.

ЖУРАВЛЁНОК *м, р.* **-нка, мн. -ля́та** турна боласи, жўжаси.

ЖУРАВЛИ́Н/ЫЙ, -ая, -ое 1 турнага оид, турна...; **~ая ста́я** турна галаси; 2 турнаникига ўхшаш; **~ые но́ги** турнаникига ўхшаш узун ва ингичка оёқлар; **~ая похо́дка** савлат тўкиб юриш; салмоқлаб юриш.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЖУРАВЛЬ *м, р.* **-вля́** 1 турна; 2 «лайлак» (қудуқдан сув чиқарадиган ричаг шаклидаги мослама); ✦ **~ в не́бе** узоқдаги нарса, насия иш; **лу́чше сини́ца в рука́х, чем ~ в не́бе** *погов.* узоқдаги қуйруқдан яқиндаги ўпка яхши (*л. м.* осмондаги турнадан қўлга кирган читтак яхши).

ЖУРИ́ТЬ *несов. кого разг.* уришмоқ; койимоқ; уришиб (койиб) қўймоқ.

ЖУРНА́Л *м* 1 журнал (даврий нашр тури); **~ «Пионе́р»** «Пионер» журнали; **~мод** модалар журнали; **ежеме́сячный ~** ойлик журнал; 2 қайд дафтари, кундалик дафтар, журнал; **~ заседа́ний** мажлислар журнали; **ва́хтенный ~** вахта журнали.

ЖУРНАЛИ́СТ *м* журналист, матбуот ходими.

ЖУРНАЛИ́СТИКА *ж* журналистика (1 адабий-публицистик фаолият; 2 *собир.* даврий нашрлар, газета ва журналлар мажмуи).

ЖУРНАЛИ́СТКА *ж, р. мн.* **-ток** журналист аёл.

ЖУРНАЛИ́СТСКИ/Й, -ая, -ое журналистикага ва журналист(лар)га оид; журналист(лар)...; журналистик; **~е круги́** журналистлар доираси.

ЖУРНА́ЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое журнал(лар)га оид; журнал учун белгиланган; журналда босилган, журнал...; **~ый сто́лик** журнал столчаси, журнал-газеталар қўйиш учун мосланган махсус столча; **~ая статья́** журнал мақоласи.

ЖУРФИ́КС *м уст.* белгили кунларда меҳмон қабул қилиш.

ЖУРЧА́НИЕ *с по гл.* **журча́ть.**

ЖУРЧА́ТЬ *несов.* 1 шилдирамоқ, жилдирамоқ (сув ҳақида); **ручёй журчи́т** жилға шилдираб оқмоқда; 2 *перен.* зўрға эшитилмоқ, секин эшитилмоқ.

ЖУ́ТК/ИЙ, -ая, -ое; -ток, -тка́, -тко 1 даҳшатли, ваҳимали, қўрқинчли, мудҳиш, даҳшатга (ваҳимага) соладиган; **~ое зре́лище** даҳшатли манзара; **~ие мы́сли** ваҳимали ҳаёллар; 2 *перен. прост.* қаттиқ, зўр, даҳшатли, ёмон; **~ий на́сморк** қаттиқ тумов; **~ий хо́лод** ёмон совуқ, қаттиқ совуқ.

ЖУ́ТКО 1 *нареч. прост.* жуда, жуда ҳам, ғоят; **~ мно́го наро́ду** жуда ҳам кўп одам, тумонат одам; 2 *безл. в знач. сказ.* одам қўрқиб кетади, одамни даҳшат (ваҳима) босади; **мне ~** мени ваҳима босяпти, мен қўрқиб кетяпман.

ЖУТЬ *ж* 1 *разг.* даҳшат, ваҳима, қўрқув; **~ берёт** или **~ охва́тывает** ваҳима босади, ваҳима(нг) келади; 2 *безл. в знач. сказ. прост.* жуда кўп, жуда ҳам кўп; **наро́ду там — ~!** у ерда жуда ҳам одам кўп, у ерда тумонат одам; 3 *безл. в знач. сказ.* ваҳиманг келади, даҳшат босади, қўрқиб кетасан; **вспо́мнить вчера́шнее — ~!** кечагини эсласанг — ваҳима босади.

ЖУХЛЫ/Й, -ая, -ое 1 ўнган, ранги айниган (кетган, ўчган), хира тортган; **~е кра́ски** хиралашган (хира тортган) бўёқлар; 2 қовжираган, қуриган, қуриб қолган, хазон бўлган, қовжироқ; **~е ли́стья** қовжираган (қовжироқ) барглар.

ЖУХНУТЬ, -нет; жух, -ла *несов.* 1 ўнгмоқ, айнимоқ, хира тортмоқ; 2 қовжирамоқ, қуримоқ, қуриб қолмоқ, хазон бўлмоқ.

ЖУЧИ́ТЬ *несов. кого-что прост.* ҳадеб ўргатавермоқ, уришиб-сўкиб ўргатмоқ, уришавериб, койиверіб жонини олмоқ, сиқиб сувини ичмоқ.

ЖУЧКА *ж, р. мн.* **-чек** *разг.* хонаки ит, лайча.

ЖУЧО́К *м, р.* **-чка́** 1 *уменьш. от* **жук** 1 кичкина қўнғиз, қўнғизча; 2 *разг.* қўлбола электр пробка.

ЖЮРИ́ *с нескл. собир.* жюри, ҳакамлар ҳайъати; **~ музыка́льного конкурса** музика конкурсининг жюриси.

З

ЗА *предлог* 1 *с вин.* а) -дан нарига (ташқарига), -нинг нариги томонига (ёғига), -нинг ортига (ёғига, олдига); -га; **шагну́ть за поро́г** остонадан ҳатлаб ўтмоқ; остонадан ташқарига (ёки ичкарига) қадам қўймоқ; **пое́хать за́ город** шаҳар четига (ташқарисига) чиқмоқ; **встать за шкаф** шкаф орқасига бориб турмоқ; **засу́нуть** *что-л.* **за по́яс** бирор нарсани белбоққа қистирмоқ; **сесть за стол** стол ёнига (дастурхонга) ўтирмоқ; **сесть за кни́гу** китоб ўқишга ўтирмоқ (киришмоқ, тутинмоқ), **стать за пульт управле́ния** бошқариш пульти ёнига бориб турмоқ; **сесть за роя́ль и сыгра́ть** *что-л.* рояль ёнига ўтириб бирор нарса чалиб бермоқ; б) иш-ҳаракатнинг бирор мақсадга қаратилганлигини, бирор нарса, кимса учун қилинганлигини билдириб келади; учун; -га; деб, азбаройи; **борьба́ за мир** тинчлик учун кураш; **беспоко́иться за дете́й** болалардан хавотир олмоқ; болаларнинг ташвишини қилмоқ; **голосова́ть за предложе́ние** таклиф учун (таклифни ёқлаб) овоз бермоқ; **заступи́ться за старика́** қариянинг ёнини олмоқ; в) иш-ҳаракат сабабини, асосини билдириб келади; учун; сабабли, боисдан; **наказа́ть за ша́лость** шўхлиги учун жазоламоқ; **цени́ть за хра́брость** ботирлиги учун қадрламоқ; **благодари́ть за по́мощь** (кўрсатган) ёрдами учун миннатдорлик билдирмоқ; **Ему́ бы́ло о́коло тридцати́ пяти́ лет, и мы за то почита́ли его́ старико́м** (Пушкин) Унинг ёши ўттиз бешларда эди, шу боисдан биз уни ҳурмат билан қария дер эдик; г) бирор нарсани, кимсани ушлаш, тутиш ёки унга тегиш ва шу каби маъноларни билдириб келади; -дан, -ни; -га; **держа́ться за по́ручни** тутқичдан ушлаб бормоқ; **взять за́ руку** қўлидан ушламоқ; қўлини ушламоқ; **заде́ть за кры́шу** томга тегмоқ, томга тегиб ўтмоқ; д) ўлчовдан, меъёрдан, чегарадан ёки вақтдан ошиб кетганликни билдириб келади; -дан; -да; **ему́ уже́ за пятьдеся́т (лет)** у эллик ёшдан ошган; **бесе́да зашла́ за по́лночь** суҳбат ярим кечадан ошгунча давом этди; **сего́дня жара́ за со́рок гра́дусов** бугун иссиқ қирқ даражадан ошди; е) бирор вақтдан қанча олдин ёки бирор ердан қанча олдин ёки нари эканликни билдириб келади; -дан; **за ме́сяц до сро́ка** муддатидан бир ой олдин; **за три киломе́тра от до́ма** уйдан уч километр нарида; ж) иш-ҳаракатнинг қайси ёки қанча вақт давомида бўлганлигини билдириб келади; давомида, мобайнида, ичида, -да, -лик; **за́ ночь** бир кечада; **за два ме́сяца** икки ойда, икки ой мобайнида; **за́работок за ме́сяц** бир ойлик маош; **за после́днее вре́мя** кейинги вақтларда; **статья́ напи́сана за неде́лю** мақола бир ҳафта ичида ёзилди; з) отлар билан «ўрнига», «ўрнида», «сифатида», «деб» каби маъноларда келади; **приня́ть за образе́ц** намуна сифатида қабул қилмоқ; ўрнак деб билмоқ; **приня́ть** *кого-л.* **за знако́мого** бировни таниш деб ўйламоқ; **дежу́рить за секретаря́** секретарь ўрнига (учун) навбатчилик қилмоқ; секретарь ўрнига навбатда турмоқ; и) бирор нарсанинг бошқа нарсага алмаштирилишини ёки нархини билдириб келади; учун, -га, бадалига; **заплати́ть за рабо́ту** иш учун тўламоқ; **купи́ть за де́сять рубле́й** ўн сўмга сотиб олмоқ; к) **вы́йти, вы́дать, сва́тать, сва́таться** каби феъллар билан бирор кишига уйланиш ёки турмушга чиқиш маъносини билдириб келади; -га; **вы́йти (за́муж)** *за кого-л.* бирор кишига (эрга) тегмоқ; **сва́тать** *кого-л.* **за сы́на** бирор кишини ўғлига сўрамоқ, ўғлига сўраб совчи қўймоқ; л) **отвеча́ть, руча́ться** ва ш. к. феъллар билан келиб, «-га, учун жавоб бермоқ», «кафил бўлмоқ», «амин бўлмоқ», «ишонмоқ», каби маъноларни билдиради; **руча́ться за успе́х де́ла** ишнинг муваффақиятли чиқишига жавоб бермоқ (кафил, амин бўлмоқ); **я отвеча́ю за него́** унинг учун мен жавоб бераман (жавобгарман); 2 *с тв.* а) иш-ҳаракатнинг бирор нарса, жой ва ҳ. к. дан ташқарида, нарида ёки уларнинг орқасида, ортида, нариги томонида бўлганлигини (бўлаётганлигини) билдириб келади; -дан нарида, ташқарида; -нинг нариги томонида (ёнида); -нинг оргида, орқасида; -да; -га; **жить за го́родом** шаҳардан ташқарида яшамоқ; **останови́ться за воро́тами** дарвозанинг орқасида тўхтамоқ; **село́ нахо́дится за реко́й** қишлоқ дарёнинг нариги томонида жойлашган; **ме́сяц скры́лся за ту́чами** ой қора булутлар орасида яширинди; **оста́лось за спино́й** орқада қолди; б) отлар билан «кейин», «кетидан», «сўнгра» каби маъноларни билдириб келади; **иди́те за мной** кетимдан (орқамдан) боринг; **год за го́дом** йил кетидан йил; йил сайин; **чита́ть кни́гу за кни́гой** бирин-кетин китоб ўқимоқ; **слать письмо́ за письмо́м** кетма-кет (кетини узмай) хат юбормоқ; в) **сиде́ть, стоя́ть,**

www.ziyouz.com kutubxonasi

находи́ться каби феъллар билан «вақтида», «маҳалида», «давомида», «асносида», «устида» каби маъноларни ёки бирор иш билан шуғулланаётганликни билдириб келади; **за обе́дом** тушлик маҳалида; **за едо́й** овқат вақтида; овқат (дастурхон) устида; **сиде́ть за рабо́той** ишлаб ўтирмоқ, иш билан машғул бўлмоқ; г) иш-ҳаракат, эътибор объектини билдириб келади; -га, -ни; **сходи́ть за хле́бом** нонга бориб келмоқ; **посла́ть за врачо́м** врачга одам юбормоқ; **следи́ть за поря́дком** тартиб-интизомга кўз-қулоқ бўлиб турмоқ; **присма́тривать за больны́м** беморга қараб турмоқ; **наблюда́ть** *за кем-чем-л.* бирор кимсани (ёки нарса, ҳодиса ва ш. к. ни) кузатиб бормоқ; д) бирор кимса ёки нарсага боғлиқликни, дахлдорликни, тааллуқлиликни билдиради; **де́ло за ва́ми** иш сизга қараб қолди; **де́ло ста́ло за немно́гим** иш арзимаган нарсага қараб қолди; **за ва́ми должо́к** сиз қарздорсиз, сизнинг қарзингиз бор; **за мной ду́мается две кни́ги** менинг ҳисобимда иккита китоб бор; мен иккита китоб қарздорман; **Карти́на оста́лась за Черто́вым** (Гоголь) Расм Чертков ихтиёрида қолди; е) бирор кимса, нарса ва ш. к. га хос белгини ифодалаб келади; **прика́з за по́дписью дире́ктора** директорнинг имзоси билан чиқарилган буйруқ; **за ним утверди́лась дурна́я репута́ция** у ёмон от чиқарган; ж) сабабли, боисдан, натижасида, учун; за **недоста́ток вре́мени** вақт етишмаслиги сабабли; *3 в знач. сказ.* «ёқлайди», «қўшилади», «тарафдор» каби маъноларда **кеси́м** бўлиб келади; **кто за? Прошу́ подня́ть ру́ки!** ким тарафдор бўлса қўл кўтарсин; ёқловчилар қўл кўтарсин!; *4 в знач. сущ.* яхши (ижобий) томон; **взве́сить все за и про́тив** ҳамма яхши ва ёмон томонларни муқояса қилиб (чамалаб) кўрмоқ.

ЗА- *приставка* 1 феъл олд қўшимчаси бўлиб а) уларда ифодаланган иш-ҳаракатнинг бошланишини билдиради, мас., **заигра́ть, засмея́тся, зашага́ть;** б) феъл билан ифодаланган иш-ҳаракатнинг ниҳоясига етказилишини билдиради, шунингдек, феълларнинг тугалланган формасини ясайди, мас., **заасфальти́ровать, завоева́ть, закрепи́ть;** в) иш-ҳаракатнинг йўналишини, чегарасини билдиради, мас., **зае́хать, засла́ть, завести́;** г) **-ся** қўшимчаси билан келган ва баъзи бошқа феълларда иш-ҳаракатнинг чегарадан, ҳаддан ортиқлигини билдиради, мас., **заигра́ться; захвали́ть, засиде́ться;** д) иш-ҳаракат нарсаларнинг юза қисмида бажарилганлигини билдиради, мас., **забели́ть, зачи́стить, запили́ть;** 2 от ва сифатларга қўшилиб «орти», «ортидаги» маъноларда янги от ва сифат ясайди, мас., **Заполя́рье, закавка́зский, закаспи́йский.**

ЗААКТИ́РОВАТЬ *сов.* (*несов.* **акти́ровать**) *что* акт тузиб қўймоқ; акт тузиб расмий ҳаштирмоқ.

ЗААЛЕ́ТЬ, -е́ет *сов.* қизармоқ, қизара бошламоқ, қизариб кўринмоқ.

ЗААРКА́НИВАТЬ *несов. см.* **заарка́нить.**

ЗААРКА́НИТЬ *сов.* (*несов.* **заарка́нивать**) *кого* 1 арқон ташлаб ушламоқ (тутмоқ); ~ **жеребца́** отни арқон ташлаб ушламоқ; 2 *перен. прост.* арқонлаб қўймоқ; маҳкам ёпишиб (боғлаб) олмоқ; қўлдан чиқармаслик; ~ **на рабо́ту** ишга маҳкам ёпишиб олмоқ.

ЗААРТА́ЧИТЬСЯ *сов. разг.* ўжарлик (қайсарлик, терслик) қилмоқ, ўжарлиги (қайсарлиги) тутмоқ, ўжарлиги тутиб туриб олмоқ.

ЗААСФАЛЬТИ́РОВАТЬ *сов.* (*несов.* **асфальти́ровать**) *что* асфальтламоқ, асфальт билан қопламоқ, асфальт ётқизмоқ.

ЗААТМОСФЕ́РНЫЙ, -ая, -ое ер атмосферасидан ташқаридаги; ~**е наблюде́ния** ер атмосферасидан ташқаридаги кузатишлар.

ЗАБА́В/А *ж* эрмак, овунчоқ; вақтичоғлик, вақтихушлик, томоша; ўйин-кулги; **де́тские** ~**ы** болалар вақтичоғлиги; болалар эрмаги, **ради** ~**ы** эрмак учун, эрмакка; **пуста́я** ~**а** бекорчи иш, вақтни бекорга ўтказиш.

ЗАБА́ВЛЯ/ТЬ *несов. кого* 1 вақтини чоғ қилмоқ, ўйнатмоқ, овунтирмоқ; ~**ть де́тей игру́шками** ўйинчоқлар билан болаларнинг вақтини чоғ қилмоқ; ўйинчоқлар билан болаларни овунтирмоқ; 2 эрмак бўлмоқ; ажаблантирмоқ, кулдирмоқ, кулгисини қистатмоқ; **Беспоко́йство Саве́льича о́чень меня́** ~**ло** (Пушкин) Савельичнинг безовталиги менинг кулгимни қистатар эди.

ЗАБАВЛЯ́ТЬСЯ *несов.* **кем-чем** эрмак қилмоқ, овунмоқ; ўзини юпатмоқ, вақтини чоғ қилмоқ; ~ **игро́й** ўйин билан ўзини юпатмоқ (вақтини чоғ қилмоқ).

ЗАБА́ВНИК *м разг.* қизиқчи, кулдирувчи; ҳазилкаш.

ЗАБА́ВНИЦА *ж разг. см.* **заба́вник.**

ЗАБА́ВНО 1 *нареч.* қизиқ (кулгили, мароқли) қилиб, кулдириб, қизиқ; ~ **рассказа́ть о путеше́ствии** саёҳат ҳақида мароқли (қилиб) гапириб бермоқ; 2 *в знач. сказ.* қизиқ, ғалати, ажойиб.

ЗАБА́ВНЫЙ, -ая, -ое; -вен, -вна қизиқ, ажиб, ғалати, кулгили, аломат; ~ **рису́нок** ғалати расм; ~ **расска́з** қизиқ ҳикоя; ~ **ребёнок** аломат бола.

ЗАБАЛЛОТИРОВА/ТЬ *сов.* (*несов.* **забаллотиро́вывать**) *кого-что* сайловдан ўтказмаслик; ~**ны два кандида́та** икки номзодни овоз беришда сайловдан ўтказишмади (ўтказишмапти); икки номзод овоз ололмай сайловдан ўтолмади (ўтмабди).

ЗАБА́ЛТЫВАТЬСЯ *несов. см.* **заболта́ться** I.

ЗАБА́ЛТЫВАТЬ *несов. см.* **заболта́ть** II.

ЗАБА́ЛТЫВАТЬСЯ *несов. см.* **заболта́ться I.**

ЗАБАЛЬЗАМИ́РОВАТЬ *сов.* (*несов.* **бальзами́ровать**) бальзамламоқ; бальзамлаб қўймоқ.

ЗАБАРАХЛИ́/ТЬ, -ит *сов. прост.* ёмон ишламоқ, ҳадеб ўчиб (тўхтаб-тўхтаб) қолавермоқ; **мото́р** ~**л** мотор ёмон ишлай бошлади; мотор ҳадеб ўчиб (тўхтаб-тўхтаб) қолярти.

ЗАБАРРИКАДИРОВАТЬ *сов.* (*несов.* **баррикади́ровать**) *что* баррикадалар қуриб олмоқ, чеп боғлаб тўсмоқ, тўсиб қўймоқ.

ЗАБАРРИКАДИРОВАТЬСЯ *сов.* (*несов.* **баррикади́роваться**) баррикадалар қуриб ўралиб олмоқ, чеп боғлаб паналанмоқ.

ЗАБАСТОВА́ТЬ, -ту́ю, -ту́ешь *сов.* 1 забастовка қилмоқ, иш ташламоқ; 2 ишни тўхтатмоқ, ишламай қўймоқ.

ЗАБАСТОВК/А *ж, р.* **-вок** забастовка, иш ташлаш; **всеоби́щая** ~**а** умумий забастовка; **объяви́ть** ~**у** забастовка эълон қилмоқ.

ЗАБАСТО́ВОЧН/ЫЙ, -ая, -ое забастовкага, иш ташлашга оид; забастовка...; иш ташлаш...; ~**ое движе́ние** иш ташлаш ҳаракати; ~**ый комите́т** забастовка комитети.

ЗАБАСТО́ВЩИК *м* забастовкачи, иш ташловчи.

ЗАБАСТО́ВЩИЦА *ж см.* **забасто́вщик.**

ЗАБВЕ́НИ/Е *с* 1 *книжн.* эсдан (ёддан) чиқариш, унутиш, эсдан чиқариб юбориш; **преда́ть** ~**ю** унутиб юбормоқ, бутунлай эсдан чиқармоқ; 2 *чего* унутиш, ташлаб қўйиш, бепарво қараш; ~**е до́лга** бурчни унутиш; ~**е прили́чий** одоб-ахлоқни унутиб қўйиш; ~**е обя́занностей** ўз вазифаларини унутиш, ўз вазифасига бепарво қараш; 3 *уст. то же, что* **забытьё.**

ЗАБЕ́Г *м спорт.* югуриш (белгили масофага); ~ **на сто ме́тров** юз метрга югуриш.

ЗАБЕГАЛО́ВКА *ж, р. мн.* **-вок** *прост.* газакхона (йўл-йўлакай кириб отиб олинадиган кичик майхона).

ЗАБЕ́ГА/ТЬ *сов.* 1 югура бошламоқ; **де́ти** ~**ли по двору́** болалар ҳовлида югура бошлашди; 2 ҳовлиқиб (югур-югурга, тушиб) қолмоқ жонсарак (безовта) бўлмоқ; **все вдруг** ~**ли** ҳамма бирдан югур-югурга тушиб (жонсарак бўлиб) қолди.

ЗАБЕГА́ТЬ *несов. см.* **забежа́ть.**

ЗАБЕ́ГА/ТЬСЯ *сов. разг.* югураверіб чарчамоқ; **я совсе́м** ~**лся сего́дня** бугун югураверіб роса чарчадим.

ЗАБЕЖА́ТЬ *сов.* (*несов.* **забега́ть**) 1 югуриб (югургилаб) кирмоқ; ~ **в ко́мнату** уйга югуриб кирмоқ; 2 *разг.* йўлакай кириб ўтмоқ, бирров кириб чиқмоқ; ~ **к знако́мым** танишларникига бирров кириб чиқмоқ; 3 узоқ кетиб қолмоқ, узоққа бориб қолмоқ, қочиб кетмоқ; ~ **далеко́ в лес** ўрмоннинг узоқ жойига бориб қолмоқ; 4 илгарилаб (олдинлаб) кетмоқ; олдидан тўсиб чиқмоқ; ~ **вперёд** 1) илгарилаб кетмоқ; ўзиб кетмоқ; 2) *перен.* вақтидан олдинроқ тилга олмоқ (айтмоқ ва ҳ. к.).

ЗАБЕЛЕ́/ТЬ, -е́ет *сов.* 1 оқармоқ, оқара бошламоқ; ~**ли хло́пковые поля́** пахта далалари оқара бошлади; 2 кўринмоқ; оқариб кўринмоқ; **в ночно́м мра́ке** ~**ли сте́ны шко́лы** тун қоронғисида мактаб деворлари оқариб кўринди.

ЗАБЕ́ЛИВАТЬ *несов. см.* **забели́ть.**

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЗАБЕЛИ́ТЬ *сов.* (*несов.* **забе́ливать**) *что* 1 оқламоқ, оққа бўямоқ, оқартирмоқ; ~ **стекло́** шишани (ойнани) оққа бўямоқ; 2 оқламоқ (сут ёки қатиқ қўшмоқ); ~**щи** шчига қатиқ қўшмоқ, шчини қатиқламоқ; ~ **чай** чойни оқламоқ; чойга сут қўшмоқ.

ЗАБЕРЕМЕНЕ́ТЬ *сов.* ҳомиладор (иккиқат) бўлмоқ, бўйида бўлмоқ, бўйида бўлиб қолмоқ.

ЗАБЕСПОКО́ИТЬСЯ *сов.* ташвишланмоқ, хавотирлана (ташвишлана) бошламоқ, ташвишга тушмоқ, қайгурмоқ, пайтавасига қурт тушиб қолмоқ.

ЗАБЕТОНИ́РОВАТЬ *сов.* (*несов.* **бетони́ровать**) *что* бетонламоқ.

ЗАБИВА́ТЬ *несов. см.* **заби́ть**; ✦ ~ **козла́** *см.* **козёл**.

ЗАБИНТОВА́ТЬ, -ту́ю, -ту́ешь *сов.* (*несов.* **бинтова́ть** и **забинто́вывать**) *кого-что* бинтламоқ, бинт билан ўраб боғламоқ.

ЗАБИНТОВА́ТЬСЯ, -ту́юсь, -ту́ешься *сов.* (*несов.* **забинто́вываться**) бирор ерини бинтлаб (бинт ўраб боғлаб) олмоқ.

ЗАБИНТО́ВЫВАТЬ *несов. см.* **забинтова́ть**.

ЗАБИНТО́ВЫВАТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **забинтова́ться**; 2 *страд. от* **забинто́вывать**.

ЗАБИРА́ТЬ *несов. см.* **забра́ть**.

ЗАБИРА́ТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **забра́ться**; 2 *страд. от* **забира́ть**.

ЗАБИ́ТЫЙ, -ая, -ое 1 *прич. от* **забить**; **гвоздь, ~ кре́пко** мих маҳкам қоқиб қўйилган; 2 *в знач. прил.* эзилган, бечора, шўрлик, ҳорғин, сўлғин; ~ **челове́к** эзилган одам; ~ **вид** ҳорғин кўриниш.

ЗАБИ́ТЬ I, -бью́, -бьёшь *сов.* (*несов.* **забива́ть**) 1 отилиб чиқмоқ, чиқа бошламоқ; ~**л фонта́н** фонтан отилиб чиқди (чиқа бошлади), 2 *что* қоқмоқ, қоқиб қўймоқ, қоқиб киргизмоқ; ~**ть гвоздь** мих(ни) қоқмоқ, мих(ни) қоқиб қўймоқ; 3 *что* киритмоқ, уриб туширмоқ, киргизмоқ; ~**ть шар в лу́зу** шарни лузага (уриб) туширмоқ; ~**ть мяч в воро́та** тўпни дарвозага киргизмоқ; 4 *что* бекитмоқ, маҳкамлаб ёпмоқ; михлаб (ёки тахта ва ҳ. к. қоқиб) ёпиб қўймоқ, бекитиб ташламоқ; ~**ть окно́ до́сками** ойнага тахта қоқиб бекитиб ташламоқ; **на́глухо** ~**ть о́кна и две́ри** эшик ва деразаларни михлаб ташламоқ; ~**ть ще́ли** тирқишларни бекитмоқ; 5 *что* тўлдириб юбормоқ, тиқилмоқ, тиқилиб қолмоқ (кетмоқ), босмоқ; **трубу́** ~**ло песко́м** қувурни қум босиб қолибди, қувурга қум тиқилиб қолибди; **перепра́ва** ~**та людьми́ и обо́зами** дарёдан ўтиладиган жойда одам ва аравалар тиқилиб кетибди; 6 *кого* бўғизламоқ, сўймоқ; отиб ўлдирмоқ, уриб туширмоқ (овда); ~**ть ове́ц на бо́йне** қўйларни қушхонада сўймоқ (сўйдирмоқ); 7 *что разг.* қоплаб олмоқ, босиб кетмоқ; **сорня́к** ~**л гря́дку** пуштани бегона ўт босиб кетибди; 8 *кого-что разг.* ютиб (устун) чиқмоқ, босиб (орқада қолдириб) кетмоқ; ~**ть всех на та́нцах** танцада ҳаммадан устун чиқмоқ; 9 *кого* уриб ўласи қилмоқ, ўлгудай дўппосламоқ, ураверіб сулайтириб қўймоқ; ✦ ~**ть го́лову** *кому чем* миясини ачитмоқ, ғовлатмоқ, миясига қуйверіб гангитиб юбормоқ; ~**ть себе́ в го́лову** *что* бир фикрни маъқуллаб туриб олмоқ, бир фикрни тутиб олмоқ; ~**ть трево́гу** тревога кўтармоқ, огоҳлантирмоқ, огоҳлантириб қўймоқ.

ЗАБИ́ТЬ II, -бью́, -бьёшь *сов. что* ура (чала) бошламоқ (мас., дўмбирани).

ЗАБИ́/ТЬСЯ I, -бью́сь, -бьёшься *сов.* (*несов.* **забива́ться**) 1 *разг.* яширинмоқ, бикиниб олмоқ, тиқилмоқ; ~**ться в у́гол** бурчакка биқиниб олмоқ; бурчакка тиқилмоқ; 2 *разг.* кириб қолмоқ, тўлиб (тиқилиб) қолмоқ; **труба́** ~**лась песко́м** қувур қум билан (қумга) тўлиб қолди (қолибди); қувурга қум тиқилиб қолибди; **пыль** ~**лась во все ще́ли** ҳамма тирқишларга чанг кириб қолибди; ҳамма тирқишлар чанг билан тўлиб қолибди.

ЗАБИ́/ТЬСЯ II, -бью́сь -бьёшься *сов.* ура бошламоқ, тепа (дуккиллай) бошламоқ; дук-дук уриб кетмоқ; типирчилай бошламоқ; **се́рдце** ~**лось** юрак ура бошлади; юрак дук-дук уриб кетди, ~**ться в припа́дке** тутқаноғи тутиб типирчилаб қолмоқ.

ЗАБИ́ЯКА *м* и *ж разг.* уришқоқ одам, гажир, жангари, манжалақи; жанжалкаш.

ЗАБЛАГОВРЕ́МЕННО *нареч.* олдиндан, олдиноқ барвақт; **извести́ть** ~ олдиндан хабар қилмоқ, олдиндан хабардор қилиб қўймоқ.

ЗАБЛАГОВРЕ́МЕННЫЙ -ая, -ое *уст.* олдиндан қилинган, олдиноқ (барвақт) қилиб қўйилган.

ЗАБЛАГОРАССУДИ́/ТЬСЯ, -ится *сов. безл.* кўнглига (ҳушига) келиб қолмоқ; **как вам** ~**тся** кўнглингизга (ҳушингизга) келганини қилинг, ўзингизга маъқулини (хоҳлаганингизни) қилаверинг; **он де́лает всё, что ему́** ~**тся** у ўзига нима маъқул бўлса, шуни қилади, у кўнглига (ҳушига) келган ишни қилаверади.

ЗАБЛЕСТЕ́/ТЬ, -ещу́, -ести́шь и -е́щешь *сов.* (*несов.* **блесте́ть** 1, 2) ялтирамоқ, ярқирамоқ, ярақламоқ, чарақламоқ; ярқираб (чарақлаб) кетмоқ, ярқираб кўринмоқ; ~**ть в со́лнечных луча́х** қуёш нурида ярақлаб кетмоқ; **вдали́** ~**ла река́** йироқдан дарё ярақлаб кўринди; **на глаза́х** ~**ли слёзы** кўзларда йилт-йилт ёш кўринди; **на не́бе** ~**ли звёзды** осмонда юлдузлар чарақлаб кетди; **глаза́** ~**ли** кўзлари чарақлаб кетди, кўзлари ёнди (порлади).

ЗАБЛУДИ́ТЬСЯ *сов.* адашмоқ, адашиб қолмоқ; йўлини йўқотиб қўймоқ; ~ **в лесу́** ўрмонда адашиб қолмоқ; ✦ ~ **в трёх со́снах** (*л. м.* уч қарағай орасида адашиб қолмоқ) осонгина ишни ҳал қилолмай довдирамоқ (довдираб қолмоқ).

ЗАБЛУ́ДШ/ИЙ, -ая, -ее *прям.* и *перен. книжн.* адашган, йўлдан озган, йўлини йўқотган, гумроҳ; ~**ий челове́к** адашган (йўлдан озган) одам; гумроҳ; ~**ая овца́** *см.* **овца́**.

ЗАБЛУ́ЖДА/ТЬСЯ *несов.* янглишмоқ, хато ўйламоқ, хато (нотўғри) фикрда бўлмоқ; **вы** ~**етесь** сиз янглишяпсиз, сиз хато (нотўғри) ўйлаяпсиз (фикрдасиз).

ЗАБЛУЖДЕ́НИЕ *с* 1 *по гл.* **заблужда́ться**; **вводи́ть в** ~ адаштирмоқ, янглиштирмоқ, чалғитмоқ; **впада́ть в** ~ адашмоқ, янглишмоқ, хато ўйламоқ; 2 хато (янглиш) фикр, хатолик, иштибоҳ; гумроҳлик; **э́то — ~, де́ло обсто́ит ина́че** бу янглиш фикр, иш аслида бошқача.

ЗАБОДА́ТЬ *сов.* (*несов.* **бода́ть**) *кого* суза бошламоқ, суза кетмоқ, сузиб ташламоқ.

ЗАБО́Й I *м* забой (конларда: фойдали қазилма ковлаб олинадиган жой).

ЗАБО́Й II *по гл.* **заби́ть** I. 6; ~ **ско́та** мол(ни) сўйиш.

ЗАБО́ЙЩИК *м* забойчи: кон қазувчи.

ЗАБОЛА́ЧИВАНИЕ *с* ботқоқланиш, ботқоқликка айланиш; ~ **земе́ль** ерларнинг ботқоқланиши.

ЗАБОЛА́ЧИВАТЬ *несов. см.* **заболо́тить**.

ЗАБОЛА́ЧИВАТЬСЯ, -ается *несов.* 1 *см.* **заболо́титься**; 2 *страд. от* **забола́чивать**.

ЗАБОЛЕВА́ЕМОСТЬ *ж* касалланиш, касаллик (миқдори); ~ **значи́тельно сни́зилась** касалланиш (миқдори) анча камайди.

ЗАБОЛЕВА́НИ/Е *с* 1 *по гл.* **заболева́ть** I; ~**е гри́ппом** грипп билан касалланиш, грипп бўлиб қолиш; **предохране́ние от** ~**й** касалланишдан сақлаш (сақланиш); 2 касаллик, беморлик; касал, дард; **инфекцио́нное** ~**е** инфекцион (юқумли) касал(лик); **серьёзное** ~**е** жиддий касаллик, оғир дард.

ЗАБОЛЕВА́ТЬ I *несов. см.* **заболе́ть** I.

ЗАБОЛЕВА́ТЬ II *несов. см.* **заболе́ть** II.

ЗАБОЛЕ́ТЬ I, -е́ю, -е́ешь *сов.* (*несов.* **заболева́ть** I) 1 касалланмоқ, бетобланмоқ; касал (бетоб) бўлиб қолмоқ, тоби қочмоқ; ~ **гри́ппом** грипп билан касалланмоқ; 2 *кем-чем* ишқибоз бўлиб қолмоқ, берилиб кетмоқ; ~ **са́дом** боғдорчиликка ишқибоз бўлиб қолмоқ.

ЗАБОЛЕ́/ТЬ II, -ли́т *сов.* (*несов.* **заболева́ть** II) оғрий бошламоқ; оғриб қолмоқ, оғриққа кирмоқ; ~**ла голова́** боши(м) оғриб қолди; ~**ли ста́рые ра́ны** эски яралар оғрий бошлади (оғриққа кирди).

ЗАБОЛО́НЬ *ж бот.* пўсткўлоқ ости қатлами (дарахтнинг пўстлоқ остидаги янги ёғоч қисми).

ЗАБОЛО́ТИТЬ, -о́чу, -о́тишь *сов.* (*несов.* **забола́чивать**) *что* ботқоқликка айлантирмоқ, ботқоқликка айлантириб (ёки ботқоқ қилиб) юбормоқ; ~ **зе́млю** ерни ботқоқликка айлантириб (ёки ботқоқ қилиб) юбормоқ; **низи́на была́ заболо́чена** пастлик (сойлик) ботқоқликка айланиб кетган эди.

ЗАБОЛО́ТИТЬСЯ, -ится *сов.* (*несов.* **забола́чиваться**) ботқоқланмоқ, ботқоқликка айланмоқ.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЗАБОЛО́ЧЕННОСТЬ *ж* ботқоқланганлик, ботқоқликка айланганлик; ~ **доли́ны** водийнинг ботқоқланганлиги.

ЗАБОЛО́ЧЕННЫЙ, -ая, -ое ботқоқланган, ботқоқликка айланган; ботқоқ бўлиб қолган (кетган), захкаш; ~ **луг** ботқоқликка айланган ўтлоқ, захкаш ўтлоқ.

ЗАБОЛТА́ТЬ I *сов. чем* қимирлатмоқ, ликиллатмоқ; қимирлата (ликиллата) бошламоқ; ~ **нога́ми** оёқларни ликиллата бошламоқ.

ЗАБОЛТА́ТЬ II *сов.* (*несов.* **забáлтывать**) *что разг.* аралаштирмоқ, қориштирмоқ, чалмоқ; аралаштириб (чалиб) юбормоқ; ~ **яйцó в суп** тухумни шўрвага чалиб юбормоқ.

ЗАБОЛТА́ТЬ III *сов.* **1** гапира (жаврай, вайсай) бошламоқ; **2** гапириверіб (жаврайверіб, вайсайверіб) чарчатмоқ, миясини қоқиб қўлига бермоқ.

ЗАБОЛТА́/ТЬСЯ I *сов.* (*несов.* **забáлтываться**) *разг.* гап сота бошламоқ, гапга берилиб кетмоқ, валақлашмоқ; **допоздна́ ~лись с сосéдкой** қўшни билан алла-паллагача валақлашиб ўтирдик.

ЗАБОЛТА́ТЬСЯ II *сов.* чайқала бошламоқ.

ЗАБО́Р I *м* олиш, чиқариш; ~ **воды́ на поля́** далага сув олиш (мас., сув ҳавзасидан).

ЗАБО́Р II *м* девор, ғов, тўсиқ; **деревя́нный** ~ тахта девор.

ЗАБОРА́НИВАТЬ *несов. см.* **заборони́ть.**

ЗАБО́РИСТ/ЫЙ, -ая, -ое *прост.* **1** аччиқ, ўткир; димоғни ёрадиган; ~**ая махóрка** аччиқ махорка; **2** *перен.* завқни келтирадиган, қизиқтириб юборадиган, жозибали; ~**ый темп та́нца** қизиқтириб юборадиган рақс темпи; **3** *перен.* аччиқ, ўткир, қичиққа тегадиган бепарда; ~**ый анекдóт** бепарда анекдот, ўткир латифа; ~**ое словцó** қичиққа тегадиган сўз, ўткир (ёки аччиқ) гап.

ЗАБОРМОТА́ТЬ, -очу́, -о́чешь *сов.* тўнғилламоқ, тўнғиллай бошламоқ.

ЗАБО́РН/ЫЙ I, -ая, -ое *прил. от* **забóр I** (сув, таъминот ва ҳ. к.) олинадиган; олиш (чиқариш) учун белгиланган; олиш...; чиқариш...; заборний; ~**ая труба́** (сув) олинадиган труба; ~**ая кни́жка** заборний книжка (норма бўйича озиқ-овқат моллари бериладиган дафтарча).

ЗАБО́РН/ЫЙ II, -ая, -ое девор...; тўсиқ...; ғов...; ~**ый столб́** девор устуни; ✦ ~**ая литерату́ра** (или **брань, ру́гань** и т. п.) кўча адабиёти (ёки коски гап, ибора; пештахам, одоб-ахлоқ чегарасидан ташқари сўкиш сўзи ва ҳ. к.).

ЗАБОРОНИ́ТЬ *сов.* (*несов.* **забора́нивать**) *что* бороналамоқ, бороналаб (молалаб) қўймоқ; ~ **по́ле** далани бороналамоқ (бороналаб қўймоқ).

ЗАБО́РТН/ЫЙ, -ая, -ое бортдан ташқаридаги, борт атрофидаги; ~**ая вода́** бортдан ташқаридаги (борт атрофидаги) сув.

ЗАБО́Т/А *ж* **1** ғам, ташвиш; ғам ейиш, ташвишини қилиш, ўйлаш; ~**а о бу́дущем** келажак тўғрисида ғам ейиш; келажакнинг ташвишини қилиш, келажакни ўйлаш; **дома́шние ~ы** уй ташвишлари; **жить без ~** беташвиш (бепарво) яшамоқ; **2** иш, дард, касал; **3** ғамхўрлик, жонкуярлик, таважжуҳ; ғамхўрлик (жонкуярлик, соявонлик) қилиш; **окружи́ть** *кого-л.* ~**ой** ғамхўрлик қилмоқ (кўрсатмоқ); ✦ **не моя́ (твоя́, его́** и т. д.) ~**а** бу менинг (сенинг, унинг ва ҳ. к.) ишим эмас, бунинг менга (сенга, унга ва ҳ. к.) ташвиши тушиб қолгани йўқ; **(вот) не́ было ~ы!** бу ҳам бормиди!; шуниси етмай турган эди!; ташвиш етмагандай!; **ему́ и ~ы ма́ло** унинг парвойи фалагига ҳам келмайди.

ЗАБО́ТИ/ТЬ, -о́чу, -о́тишь *несов.* (*сов.* **озабóтить**) *кого* ташвишга солмоқ (туширмоқ), безовта қилмоқ, ташвишлантирмоқ; **её ~т боле́знь ребёнка** боласининг касали уни ташвишга соляпти; **что тебя́ ~т!** сени нима ташвишлантиряпти (ташвишга соляпти)!; сен нимаиинг ташвишини қиласан!, сенинг нима ташвишинг бор!

ЗАБО́ТИТЬСЯ, -очусь, -о́тишься *несов.* (*сов.* **позабóтиться**) *о ком-чём* ташвишланмоқ, ташвишини қилмоқ, ғамини емоқ, ўйламоқ; ғамхўрлик қилмоқ, жон куйдирмоқ; ~**о дéтях** болаларнинг ташвишини қилмоқ; ~ **о своём здоро́вье** соғлиғининг ташвишини қилмоқ, соғлиғини ўйламоқ; **на́ше прави́тельство неуста́нно забóтится о бу́дущем подраста́ющего поколе́ния** бизнинг ҳукуматимиз ёш авлоднинг келажаги ҳақида тинмай ғамхўрлик қилади.

ЗАБО́ТЛИВО *нареч.* ғамхўрлик (меҳрибонлик) билан, жон куйдириб, авайлаб; ардоқлаб; ~ **ухáживать за больны́м** беморга ғамхўрлик билан қарамоқ.

ЗАБО́ТЛИВОСТЬ *ж* ғамхўрлик, меҳрибонлик, жонкуярлик, куйинчаклик.

ЗАБО́ТЛИВ/ЫЙ, -ая, -ое ғамхўр, меҳрибон, жонкуяр, куйинчак; ~**ый хозя́ин** ғамхўр хўжайин; ~**ое отноше́ние к де́лу** ишга жонкуярлик билан қараш.

ЗАБРАКОВА́ТЬ, -ку́ю, -ку́ешь *сов.* (*несов.* **забра́ковывать**) *кого-что* бракка чиқармоқ, яроқсиз деб топмоқ.

ЗАБРАКО́ВЫВАТЬ *несов. см.* **забракова́ть.**

ЗАБРА́Л/О *с* дубулға пардаси (дубулғанинг юзга тушириб қўйиладиган қисми); ✦ **с откры́тым** (или **по́днятым**) ~**ом** очиқ, рўйирост, дангал.

ЗАБРА́СЫВАТЬ I *несов. см.* **заброса́ть.**

ЗАБРА́СЫВАТЬ II *несов. см.* **забро́сить.**

ЗАБРА́/ТЬ, -беру́, -берёшь *сов.* (*несов.* **забира́ть**) **1** *кого-что* олмоқ, бирга олиб (ола) кетмоқ; ~**ть с собо́й кни́ги** китобларни олиб (ола) кетмоқ; **он ~л семью́ к себе́ в го́род** у оиласини шаҳарга (ўзининг олдига) олиб кетди; **2** *кого-что* олиб қўймоқ, тортиб (босиб) олмоқ; **у него́ ~ли всё** унинг ҳамма нарсасини (бор-йўғини) олиб қўйишди; **3** *кого-что* қамоққа (ҳибсга ёки қўлга) олмоқ, қамоққа олиб кетмоқ; **за что его́ ~ли?** уни нима учун (қамоққа) олиб кетишди?; ~**ть в плен** асир (қилиб) олмоқ, асир (га) туширмоқ; **4** *перен. кого разг.* босмоқ, бутун вужудини қамраб (чулғаб) олмоқ; қистамоқ; ~**л страх** қўрқув босди; ~**ла́ охо́та** жуда (бирор ишни) қилгиси келиб қолди; **5** *что* тўсмоқ, ўрамоқ; тўсиб (ўраб) олмоқ; бекитиб ташламоқ; ~**ть о́кна до́сками** деразаларга тахта қоқиб бекитмоқ; деразаларни тахта билан тўсмоқ; **6** *что* ичига букмоқ (олмоқ, қайирмоқ, қайтармоқ); ~**ть рукава́** ортиғини чокка қайтариб (ичига олиб) енгни қисқартирмоқ; ✦ ~**ть си́лу** *прост.* кучаймоқ, обрўйи, таъсири ошмоқ; ~**ть (себе́) в го́лову** *что разг.* миясига ўрнаштириб олмоқ; бошига ўрнашиб олган фикрда қаттиқ турмоқ, ўжарлик билан уни маъқулламоқ; ~**ть в ру́ки** қўлига олмоқ, эгалламоқ, бўйсундирмоқ.

ЗАБРА́/ТЬСЯ *сов.* (*несов.* **забира́ться**) **1** чиқмоқ, чиқиб олмоқ; ~**ться на высо́кое де́рево** баланд дарахтга чиқиб олмоқ; **2** бурканмоқ, бурканиб олмоқ; ~**ться под одея́ло** кўрпага бурканиб олмоқ; **3** билдирмай кирмоқ; кириб олмоқ, (қолмоқ); ~**ться в чужо́й дом** бировнинг уйига кириб олмоқ (қолмоқ); **4** *разг.* бориб олмоқ, кетиб қолмоқ, кириб кетмоқ; кириб қолмоқ; **он ~лся на са́мый се́вер** у нақ шимолга кетиб қолди (бориб олди); ~**ться в глубь ле́са** ўрмоннинг ичкарисига кириб кетмоқ.

ЗАБРЕДА́ТЬ *несов. см.* **забрести́.**

ЗАБРЕ́ЗЖИ/ТЬ, -ит *сов* ёришмоқ, ёриша бошламоқ, ота бошламоқ; ~**л рассве́т** тонг ота бошлади.

ЗАБРЕСТИ́ *сов.* (*несов.* **забреда́ть**) *разг.* адашиб кириб қолмоқ; ~ **в чужо́й двор** бировнинг ҳовлисига адашиб кириб қолмоқ.

ЗАБРИВА́ТЬ *несов. см.* **забри́ть.**

ЗАБРИ́ТЬ, -рéю, -рéешь *сов.* (*несов.* **забрива́ть**) *уст.*: ~**лоб** *кому* аскарликка (солдатликка) олмоқ.

ЗАБРОДИ́ТЬ I, -ожу́, -о́дишь *сов.* тентирай (кеза) бошламоқ, дайдиб (санқиб) юра бошламоқ, дайдиб (санқиб) қолмоқ.

ЗАБРОДИ́ТЬ II, -о́дит *сов.* оша бошламоқ, кўпчий бошламоқ; ачий (бижғий) бошламоқ.

ЗАБРОНИ́РОВАТЬ *сов.* (*сов.* и *несов.* **брони́ровать**) *кого-что* бронламоқ, бронлаб банд қилмоқ; атаб (ажратиб) қўймоқ; бронь билан белгиламоқ; ~ **ме́сто в по́езде** бронь билан поездга (поезддан) жой ажратмоқ; бронь билан поезддан жой банд қилмоқ; ~ **ка́дровый соста́в оборо́нных заво́дов** мудофаа заводлари кадрларини бронлаб қўймоқ.

ЗАБРОНИ́РОВАТЬ, -ру́ю, -ру́ешь *сов.* (*сов.* и *несов.* **брони́ровать**) бронламоқ, зирҳламоқ; бронь (зирҳ) билан қопламоқ; ~ **блинда́ж** блиндажни бронламоқ.

ЗАБРО́С *м:* **в ~е** *разг.* ташландиқ, қаровсиз қолган (қолдирилган); ташлаб қўйилган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЗАБРОСАТЬ *сов.* (*несов.* **забра́сывать** I) *кого-что чем* 1 ташлаб тўлдирмоқ, кўммоқ, кўмиб ташламоқ; **~я́му землёй** ўрага тупроқ ташлаб тўлдирмоқ; чуқурни тупроқ ташлаб кўммоқ; 2 *перен.* ёғдирмоқ, кўмиб ташламоқ; **~ докла́дчика вопро́сами** докладчига савол ёғдирмоқ; ✦ **~ гря́зью** ерга қормоқ, қораламоқ, бадном қилмоқ; **~ камня́ми** 1) тош ёғдирмоқ, тошбўрон қилмоқ; 2) бировга туҳмат тоши отмоқ.

ЗАБРО́СИТЬ, -о́шу, -о́сишь *сов.* (*несов.* **забра́сывать** II) *кого-что* 1 ташламоқ, улоқтирмоқ; отиб (улоқтириб) юбормоқ; **~ мяч за забо́р** коптокни девор орқасига улоқтирмоқ; **~ у́дочку** қармоқ ташламоқ; 2 *перен. разг.* элтиб бермоқ, йўлакай ташлаб ўтмоқ, олиб бориб ташламоқ; **~ чемода́н в гости́ницу** чамадонни меҳмонхонага ташлаб ўтмоқ; **~ деса́нт в тыл врага́** душман ичкарисига (орқа томонига) десант ташламоқ; 3 ташлаб қўймоқ, ташлаб кетмоқ; йиғиштирмоқ; **~ чте́ние** ўқишни йиғиштирмоқ (ташлаб қўймоқ); 4 қаровсиз қолдирмоқ; **~ детей́** болаларни ташлаб кетмоқ; **~ хозя́йство** хўжаликни қаровсиз қолдирмоқ.

ЗАБРО́ШЕННЫЙ, -ая, -ое 1 *прич. от* **забро́сить**; 2 *в знач. прил.* ташландиқ; ташлаб қўйилган, қаровсиз қолган, хароба; **~ сад** ташландиқ боғ, чалдивор.

ЗАБРЫ́ЗГАТЬ I, -аю, -аешь *сов.* (*несов.* **забры́згивать**) *кого-что* сачратмоқ; сачрата бошламоқ; сачратиб юбормоқ; сачратиб, доғ-дуғ (ифлос) қилмоқ; **~ стол черни́лами** столга сиёҳ сачратмоқ, столга сиёҳ сачратиб доғ-дуғ қилмоқ.

ЗАБРЫ́ЗГА/ТЬ II, -зжет *сов. разг.* томчиламоқ, томчилаб отилмоқ, томчилай бошламоқ; **~л дождь** ёмғир томчилай бошлади; **~л фонта́н** фонтан томчилаб отила бошлади.

ЗАБРЫ́ЗГАТЬСЯ I *сов.* (*несов.* **забры́згиваться**) бирор нарса сачраб доғ-дуғ бўлмоқ.

ЗАБРЫ́ЗГАТЬСЯ II *сов.* сочила бошламоқ; бир-бирига сув соча (сепа) бошламоқ.

ЗАБРЫ́ЗГИВАТЬ *несов. см.* **забры́згать** I.

ЗАБРЫ́ЗГИВАТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **забры́згаться** I; 2 *страд. от* **забры́згивать**.

ЗАБУБЁНН/ЫЙ, -ая, -ое *прост.* ҳеч нарсадан тоймайдиган, дўпписини ол деса, бошини (калласини) оладиган; ялло, тарапла-бедод; **~ая голо́вушка** ҳеч нарсадан тоймайдиган одам; авбош.

ЗАБУКСОВА́ТЬ, -су́ет *сов.* жойидан жилмай айлана бошламоқ, чарх урмоқ.

ЗАБУЛДЫ́ГА *м* и *ж прост.* ичкиликбоз, пиёниста, майпараст, енгилтак, саёқ.

ЗАБУНТОВА́ТЬ, -ту́ю, -ту́ешь *сов.* исён кўтармоқ, ғалаён қила бошламоқ.

ЗАБУРЛИ́ТЬ *сов.* шақирлаб қайнай бошламоқ, қайнаб чиқмоқ (тошмоқ); мавж урмоқ, тўлқинланмоқ.

ЗАБУРЧА́ТЬ *сов. разг.* 1 минғиллай (тўнғиллай) бошламоқ; 2 қулдурлай бошламоқ (қорин ҳақида); 3 бақирбуқир қайнай бошламоқ, бақирлаб қайнаб кетмоқ.

ЗАБУТИ́ТЬ, -учу́, -ути́шь *сов.* (*несов.* **бути́ть** и **забу́чивать**) тош термоқ, тош териб қурмоқ; тош ташлаб мустаҳкамламоқ, тўлдирмоқ; **~ фунда́мент** тош териб фундамент қурмоқ; **~ перее́зд** ўтиш жойини (йўлини) тош ташлаб мустаҳкамламоқ.

ЗАБУХА́ТЬ *несов. см.* **забу́хнуть**.

ЗАБУ́Х/НУТЬ, -нет; забу́х, -ла *сов.* (*несов.* **забуха́ть**) нам тортиб шишмоқ, бўкмоқ, зичлашмоқ; шишиб (бўкиб) зичлашиб қолмоқ; **ра́мы ~ли** ромлар шишиб қолибди; **бо́чка ~ла** бочка намиқиб зичлашиб қолибди.

ЗАБУ́ЧИВАТЬ *несов. см.* **забути́ть**.

ЗАБУШЕВА́ТЬ, -шу́ю, -шу́ешь *сов.* кўтарилмоқ, қутурмоқ, тўлқинлана бошламоқ.

ЗАБЫВА́ТЬ *несов. см.* **забы́ть**.

ЗАБЫВА́/ТЬСЯ *несов.* 1 *см* **забы́ться**; **не ~йтесь!** ҳаддингиздан ошманг!; 2 ҳушдан кетмоқ; 3 *страд. от* **забыва́ть**.

ЗАБЫВЧИВЫЙ, -ая, -ое тез эсидан чиқадиган (унутадиган), унутувчан, хотираси паст, фаромушхотир; **~ челове́к** унутувчан (фаромушхотир) одам.

ЗАБЫ́ТЫ/Й, -ая, -ое 1 *прич. от* **забы́ть**; 2 *в знач. прил.* эсдан (ёки кўнгилдан) чиқарилган, унутиб юборилган, хотирадан кўтарилган; **~е наро́дные пе́сни** унутиб юборилган халқ қўшиқлари; 3 *в знач. прил.* унутилган, эътибордан четда қолдирилган, ташландиқ; **~й парк** эътибордан четда қолдирилган боғ; 4 *в знач. прил.* унутилган, эсдан чиқариб қолдирилган; **~е ве́щи хранятся в бюро́ нахо́док** эсдан чиқариб қолдирилган нарсалар топилмалар бюросида сақланади.

ЗАБЫТЬ, -бу́ду, -бу́дешь; -бы́л(те) *сов.* (*несов.* **забыва́ть**) 1 *кого-что, о ком-чём* унутмоқ, эсдан (ёддан ёки кўнгилдан) чиқариб юбормоқ, эсга олмай қўймоқ; **забу́дем ста́рое (про́шлое)** ўтган гапларни (ишларни) унутайлик (кўнгилдан чиқариб юборайлик), ўтган ишга салавот; **забу́дь ду́мать об э́том** бу ҳақда ўйлама; буни хаёлингдан чиқариб юбор; **никто́ не забы́т, ничто́ не забы́то** ҳеч ким ва ҳеч нарса унутилмаган (унутилган эмас); 2 *что, о ком-чём* и *с неопр.* унутмоқ, унутиб (эсдан чиқариб) қўймоқ, эсдан (ёддан, хотирдан) чиқармоқ; **~ но́мер до́ма** уй номерини эсдан чиқариб қўймоқ; **~ о поруче́нии** топшириқни эсдан чиқармоқ; **не забу́дь вы́ключить свет!** чироқни ўчиришни эсингдан чиқарма!; 3 *кого-что* унутмоқ, унутиб қолдирмоқ, қолдириб кетмоқ; **~ очки́ до́ма** кўзойнакни уйда унутиб қолдирмоқ; **что ты там забы́л?** *разг.* у ерда бир нарсанг қолибдими?; у ерда нима бор сенга?; у ерда пиширик қўйибдими?; 4 *кого-что* или *о ком-чём* унутмоқ, эътиборсиз қарамоқ, эътибордан четда қолдирмоқ; **~ прили́чие** одоб-ахлоқни унутмоқ; одамгарчиликни бир чеккага йиғиштириб қўймоқ; **он забы́л вся́кий стыд** унинг ҳеч уяти қолмабди; **что вы нас совсе́м забы́ли?** нега бизларни унутиб юбордингиз? (яъни биздан хабар олмайсиз, бизникига келмайсиз?); ✦ **не ~ себя́** ўзини (ўз манфаатини) унутмаслик; **~доро́гу** *куда* бирор ерга бормай қўймоқ.

ЗАБЫТЬ/Ё *с* 1 ҳушдан кетиш, ўзини билмай (беҳуш бўлиб) ётиш, беҳушлик; **больно́й впал в ~ё́, очну́лся че́рез день** бемор ҳушидан кетиб, бириси куни ўзига келди; 2 мудроқ (уйқу) босиш, уйқусираш; **на меня́ нашло́ ~ё** мени мудроқ (уйқу) босяпти; 3 уйқудагидек ҳолат; **Как мне хорошо́ тепе́рь, если б ты знал!— в мечта́тельном ~и говори́ла она́...** (Гончаров) Мен ҳозир қандай ҳузур қиляпман, агар билсанг,— деди у уйқудагидек хаёлга чўмган бир ҳолатда; 4 ҳаяжондан (ғазабдан ва ҳ. к.) нима қилаётганини билмай қолиш, ўзини унутиш, йўқотиш; жазава; **в ~и ма́льчик ки́нулся на оби́дчика** бола ўзини йўқотиб, ҳаяжон билан ранжитувчига ташланди.

ЗАБЫ́ТЬСЯ, -бу́дусь, -бу́дешься *сов.* (*несов.* **забыва́ться**) 1 мудрамоқ, мудраб қолмоқ, кўзи илинмоқ, пинакка кетмоқ; 2 ҳушидан кетмоқ, ўзини билмай (беҳуш бўлиб) ётмоқ; **больно́й забы́лся** бемор ҳушидан кетиб қолди; бемор ўзини билмай ётибди; 3 хаёл суриб қолмоқ, хаёлга (ўйга) ботмоқ, чўммоқ; **~ в мечта́х** хаёлга чўммоқ; 4 *разг.* ҳаддан ошмоқ, чегарадан чиқмоқ; **вы забы́лись. Прошу́ быть ве́жливым!** Сиз ҳаддан ошяпсиз. Сал муомалангизни тузатсангиз!; 5 нима қилаётганини билмай қолмоқ; ўзини унутмоқ, йўқотмоқ; 6 унутилмоқ, эсдан чиқиб қолмоқ, ёддан (хаёлдан) кўтарилиб кетмоқ; **Эти де́тские впечатле́ния с года́ми как бу́дто забы́лись** (Паустовский) Бу болалик таассуротлари йиллар ўтиши билан гўё ёддан кўтарилгандек.

ЗАВ *м* (заве́дующий) мудир.

ЗАВАЖНИЧА́ТЬ *сов. разг.* гердая (кеккая, керила) бошламоқ, гердайиб (кеккайиб, керилиб) кетмоқ, манманлик қилмоқ.

ЗАВА́Л *м* уюм, тўда, тўп; **сне́жный ~** қор уюми; **лесно́й ~** шох-шаббалар уюми; **у меня́ сейча́с с рабо́той ~** *перен. разг.* ҳозир ишим тиқилиб ётибди; ҳозир ишим бошимдан ошиб-тошиб кетган.

ЗАВА́ЛИВАТЬ *несов. см.* **завали́ть**.

ЗАВА́ЛИВАТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **завали́ться**; 2 *страд. от* **зава́ливать**.

ЗАВА́ЛИНА *ж* кўтарма, супача (уй пойдеворининг ташқи томони бўйлаб тупроқдан кўтарилган супача).

ЗАВА́ЛИНКА *ж, р. мн.* **-нок** *то же, что* **зава́лина**.

ЗАВАЛИ́/ТЬ, -алю́, -а́лишь *сов.* (*несов.* **зава́ливать**) 1 *кого-что* тўлдирмоқ, кўммоқ; тўлдириб (кўмиб) қўймоқ; уйиб ташламоқ; **~ть я́му песко́м** ўрани қум билан кўммоқ; **~ть доро́гу камня́ми** йўлга тош уйиб ташламоқ; **~ть ра-**

www.ziyouz.com kutubxonasi

бо́той *перен.* иш билан кўмиб ташламоқ, ишга кўмиб юбормоқ; **~ть магази́ны това́рами** магазинларни мол билан тўлдириб ташламоқ; 2 *кого-что* босмоқ, қопламоқ, босиб қолмоқ; **доро́гу ~ло обва́лом** йўлни қор кўчкиси (ёки тоғдан ўпирилиб тушган тошлар) босиб қолди; 3 *что* бузмоқ, ағдармоқ, қулатмоқ; **~ть сте́ну** деворни қулатмоқ (бузмоқ); 4 қийшайтирмоқ, энгаштирмоқ, ташламоқ; **~ть к стене́** деворга энгаштириб (суяб) қўймоқ; 5 *перен. что прост.* йиқилмоқ; барбод қилмоқ; **~ть экза́мен** имтиҳондан йиқилмоқ; **~ть де́ло** ишни барбод қилмоқ.

ЗАВАЛИ́/ТЬСЯ. **-алю́сь, -а́лишься** *сов.* (*несов.* **зава́ливаться**) 1 тушиб кетмоқ; **свёрток ~лся за сунду́к** тугунча сандиқнинг орқасига тушиб кетди; 2 *прост.* ётмоқ, ётиб олмоқ; **~ться спать** ухлаш учун ётмоқ, ўринга ўзини ташламоқ; 3 йиқилмоқ, ағнамоқ, қуламоқ, қийшаймоқ; **стена́ ~лась** девор қулаб тушди; 4 *перен. прост.* йиқилмоқ, қуламоқ; барбод бўлмоқ; **~ться на экза́мене** имтиҳондан йиқилмоқ; 5 *чем прост.* жуда кўп бўлмоқ; тўлиб-тошмоқ, тиқилиб кетмоқ, қалашиб ётмоқ; **~ться това́рами** мол билан (молга) қалаштириб ташланмоқ; **фру́ктов там — ~сь** у ерда мева-чева тўлиб-тошиб ётибди; у ерда меваларни маймун емайди.

ЗАВА́ЛЬ *ж собир. разг.* касод, ўтмас мол.

ЗАВАЛЮШК/А *ж, р. мн.* **-шек** *прост.* эскириб, қулай-қулай деб турган (путурдан кетган) уй ёки кулба.

ЗАВАЛЯ́ТЬСЯ, **-я́ется** *сов. разг.* фойдаланилмасдан ётмоқ, ўтмай (касод бўлиб) ётмоқ.

ЗАВАЛЯЩИЙ, -ая, -ее *прост.* ёмон, яроқсиз, фойдаланилмасдан ётган; **~ това́р** яроқсиз мол; ўтмай (касод бўлиб) ётган мол.

ЗАВАРИВА́ТЬ *несов. см.* **завари́ть.**

ЗАВАРИВА́ТЬСЯ, **-ается** *несов.* 1 *см.* **завари́ться;** 2 *страд. от* **зава́ривать.**

ЗАВАРИ́ТЬ, **-арю́, -а́ришь** *сов.* (*несов.* **зава́ривать**) *что* 1 дамламоқ; тайёрламоқ; **~ чай** чой дамламоқ; **~ ко́фе** кофе тайёрламоқ; 2 *разг.* устидан қайноқ сув қуймоқ; қайноқ сувга қормоқ, сувда қайнатиб пиширмоқ, тайёрламоқ; **~ клей** қайноқ сувга елим қормоқ; **~ уху́** балиқ шўрва пиширмоқ; 3 *тех.* тешик-ёриқларни пайвандлаб ямамоқ, (тўлдирмоқ); 4 *перен. прост.* бирор ишкал чиқармоқ, чалкаш иш, ташвиш ва ҳ. к. бошламоқ; ✦ **~ ка́шу** *см.* **ка́ша.**

ЗАВАРИ́/ТЬСЯ, **-а́рится** *сов.* (*несов.* **зава́риваться**) 1 дам емоқ, дамланмоқ; тайёр бўлмоқ; **чай ~лся** чой дам еди; 2 *перен. разг.* бошланмоқ (бирор ишкал, чалкаш, ташвишли иш ҳақида); **~лось де́ло** ташвишли иш бошланди; иш чалкашиб кетди, иш айланди, ишкал бўлди.

ЗАВА́Р/КА *ж, р.* **-рок** 1 дамлаш; тайёрлаш; **ча́йник для ~ки ча́я** чой дамланадиган чойнак; **~ка ко́фе** кофе тайёрлаш; 2 бир дамлам чой; дамланган чой; **ча́ю оста́лось на не́сколько ~ок** бир неча дамлам чой қолди (қолибди).

ЗАВА́РНО/Й, **-а́я. -о́е** 1 дамланган, қайнатилган; дамлама, қайнатма, қайнатилган; 2 қайноқ сувга пиширилган (қорилган); **~е те́сто** қайноқ сувга қорилган хамир; 3 дамланадиган, тайёрланадиган; **~й ча́йник** чой дамланадиган чойнак.

ЗАВАРУ́ХА *ж прост.* чигал иш, ишкал (ташвишли) иш; ишкал.

ЗАВАРУ́ШКА *ж прост. то же, что* **завару́ха.**

ЗАВГА́Р *м* (**заве́дующий** гаражо́м) *разг.* гараж мудири.

ЗАВЕДЕ́НИЕ *с* корхона, муассаса; юрт, хона; **торго́во-промы́шленное ~** савдо-саноат корхонаси; **лече́бное ~** шифохона; **учёбное ~** ўқув юрти; ✦ **у них (у нас и т. п.) тако́е ~** *уст.* уларда мана шунақа тартиб, улардаги тартиб ана шундай.

ЗАВЕ́ДОВАТЬ *несов. чем* бошқармоқ, идора қилмоқ; мудирлик қилмоқ; **~ хозя́йством** хўжаликни бошқармоқ (идора қилмоқ); **~ скла́дом** омборга мудирлик қилмоқ.

ЗАВЕ́ДОМ/ЫЙ, -ая, -ое олдиндан маълум, аён, кўриниб турган, шак-шубҳасиз; ғирт; маълум-машҳур; **~ый плут** кўриниб турган муттаҳам, маълум-машҳур фирибгар; **~ая ложь** шак-шубҳасиз ёлғон, ғирт ёлғон.

ЗАВЕ́ДУЮЩАЯ *ж, р.* **-ей** мудира.

ЗАВЕ́ДУЮЩИЙ *м, р.* **-его** мудир; **~ клу́бом** клуб мудири.

ЗАВЕЗТИ́, **-зу́. -зёшь; -ёз, -езла́** *сов.* (*несов.* **завози́ть**) I) 1 *кого-что* йўл-йўлакай ташлаб ўтмоқ; узоқдан олиб бормоқ (келмоқ, келтирмоқ); **~ письмо́ по доро́ге** хатни йўлакай ташлаб ўтмоқ; **его́ сюда́ завезли́ путеше́ственники** уни бу ерга сайёҳлар олиб келган; 2 *кого-что* узоққа олиб бормоқ, олиб бориб қўймоқ, ташламоқ; **~ в глушь** овлоқ жойга олиб бориб қўймоқ (олиб бориб ташламоқ); 3 *что* етказмоқ, етказиб бермоқ; **оборо́ (олиб бориб)** бермоқ; **~ това́ры в магази́ны** магазинларга мол етказиб (олиб бориб) бермоқ.

ЗАВЕ́РБОВАТЬ, **-бу́ю, -бу́ешь** *сов.* (*несов.* **завербо́вывать**) *кого-что* ёлланмоқ, жалб этмоқ, тортмоқ.

ЗАВЕРБОВА́ТЬСЯ, **-бу́юсь, -бу́ешься** *сов.* (*несов.* **завербо́вываться**) ёлланмоқ; **~ в экспеди́цию** экспедицияга ёлланмоқ.

ЗАВЕ́РБОВЫВАТЬ *несоз. см.* **завербова́ть.**

ЗАВЕРБОВЫВА́ТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **завербова́ться;** 2 *страд. от* **завербо́вывать.**

ЗАВЕРЕ́НИ/Е *с* ишонтириш, иноитириш; сўз бериш; сўз, ваъда; **ве́рить слове́сным ~ям** оғзаки ваъдаларга ишонмоқ.

ЗАВЕ́РИТЬ *сов.* (*несов.* **заверя́ть**) 1 *кого-что в чём* ишонтирмоқ, иноитирмоқ, сўз (ваъда) бермоқ; **~ в своей пре́данности и дру́жбе** ўзининг содиқлиги ва дўстлигига ишонтирмоқ; 2 *что* тасдиқламоқ; **~ по́дпись** имзони тасдиқламоқ; **~ ко́пию** нусхани тасдиқламоқ.

ЗАВЕРНУ́/ТЬ *сов.* 1 (*несов.* **завёртывать**) *кого-что* ўрамоқ; ўраб қўймоқ; ўраб олмоқ (бермоқ); **~ть кни́гу в бума́гу** китобни қоғозга ўрамоқ; **~ть ребёнка в одея́ло** болани адёлга ўрамоқ; **~ть покупку** харид қилинган нарсани ўраб бермоқ; 2 (*сов.* **завёртывать**) *что разг.* бураб қўймоқ, бураб маҳкамламоқ (бекитмоқ); **~ть кран** кранни бураб бекитмоқ; **~ть га́йку** гайкани бураб қўймоқ; 3 (*сов.* **завёртывать**) *что* қайирмоқ, шимармоқ, букмоқ, қайтармоқ; **~ть рука́в** енгни шимармоқ; 4 (*сов.* **завёртывать**) бурилмоқ, қайрилмоқ; **~ть за у́гол** муюлишга (муюлишда) бурилмоқ; 5 (*сов.* **завёртывать**) *разг.* йўлакай кирмоқ, кириб ўтмоқ; **~ть к прия́телю** йўлакай ошнасиникига кириб ўтмоқ; 6 *прост.* шиддат билан бошланмоқ, қаҳрига олмоқ; **~ли моро́зы** совуқ кунлар бошланди; совуқ қаҳрига олди.

ЗАВЕРНУ́/ТЬСЯ *сов.* (*несов.* **завёртываться**) 1 ўранмоқ, бурканмоқ; ўралиб (бурканиб) олмоқ; **~ться в одея́ло** адёлга ўралиб олмоқ; 2 букланиб (қайрилиб, қайтарилиб) қолмоқ; **рука́в ~лся** енг қайрилиб қолди (қолибди).

ЗАВЕРТЕ́/ТЬ I, -ерчу́, -е́ртишь *сов. кого-что разг.* бошини айлантирмоқ; гирдобига олмоқ; **жизнь ~ла его́ ҳае́т** уни гирдобига олди.

ЗАВЕРТЕ/ТЬ II, -ерчу́, -е́ртишь *сов.* 1 айлантирмоқ, бурамоқ; айлантира (бурай) бошламоқ.

ЗАВЕРТЕ́ТЬСЯ I, -ерчу́сь, -е́ртишься *сов. разг.* ўралашиб қолмоқ, овора бўлиб қолмоқ; **~ с детьми́** болалар билан ўралашиб қолмоқ.

ЗАВЕРТЕ/ТЬСЯ II, -ерчу́сь, -е́ртишься *сов.* айлана бошламоқ, бурала бошламоқ, айланиб кетмоқ; **колесо́ ~лось** ғилдирак айлана бошлади.

ЗАВЕ́РТКА *ж, р. мн.* **-ток** 1 ўраш; 2 *прост.* ўров; **аккура́тная ~** ихчам ўров.

ЗАВЕ́РТЫВАТЬ *несов. см.* **завернну́ть** 1—5.

ЗАВЕ́РТЫВАТЬСЯ *несов* 1 *см.* **завернну́ться;** 2 *страд. от* **завёртывать** 1—3.

ЗАВЕРША́ТЬ *несов. см.* **заверши́ть.**

ЗАВЕРША́ТЬСЯ, **-ается** *несов.* 1 *см.* **заверши́ться;** 2 *страд. от* **завершáть.**

ЗАВЕРША́ЮЩИЙ, **-ая, -ее** 1 *прич. от* **завершáть;** 2 *в знач. прил.* якунловчи, охирги, сўнгги; **~ эта́п** сўнгги босқич; **~ год пятиле́тки** бешйилликнинг якунловчи йили.

ЗАВЕРШЕ́НИЕ *с по гл.* **заверши́ть — завершáть;** **~ рабо́т** ишларни тугатиш, ✦ **в ~ чего́** охири; оқибатда, пировардида; устига устак.

ЗАВЕ́РШИ/ТЬ *сов.* (*несов.* **завершáть**) *что* или *что чем* тамомламоқ, тугалламоқ, битирмоқ, битказмоқ; охирига (поёнига, ниҳоясига) етказмоқ; **успе́шно ~м весе́нний сев** баҳорги экинни муваффақиятли тугаллаймиз.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЗАВЕРШИ́/ТЬСЯ, **-и́тся** *сов.* (*несов.* **завершáться**) *чем* тамомланмоқ, тугалланмоқ, битмоқ; охирига (ниҳоясига, поёнига) етмоқ; **строи́тельство ~лось** қурилиш охирига етди; **футбо́льный матч ~лся побе́дой хозя́ев по́ля** футбол матчи майдон эгаларининг ғалабаси билан тугади (майдон эгалари фойдасига ҳал бўлди).

ЗАВЕРЯ́ТЬ *несов. см.* **заве́рить.**

ЗАВЕ́С/А *ж* 1 *уст.* парда, дарпарда; **опусти́ть ~ы** пардаларни туширмоқ; 2 *чего или какая* парда (кўзни тўсувчи нарса); **~а тума́на** туман пардаси; **~а дожде́й** ёмғир пардаси, кўзни тўсувчи ёмғир; ✦ **дымова́я ~а** 1) *воен.* дуд ниқоб, тутун парда; 2) кўзбўяма; **огнева́я ~а** *воен.* ўт парда; **приподня́ть** (или **приоткры́ть** и т. п.) **~у** ниқобини очиб ташламоқ, фош қилмоқ, ошкор қилмоқ, очмоқ; **~а упа́ла** (или **спа́ла**) ошкор бўлди, очилди, очилиб (маълум бўлиб) қолди.

ЗАВЕ́СИТЬ, **-е́шу**, **-е́сишь** *сов.* (*несов.* **заве́шивать** II) пардаламоқ, парда тутмоқ (қоқмоқ, тутиб тўсмоқ); **~ о́кна** дераза ларга парда тутмоқ.

ЗАВЕ́СТИ́, **-еду́**, **-едёшь** *сов.* (*чесов.* **заводи́ть**) 1 *кого-что* киритмоқ, киритиб (олиб кириб) қўймоқ; **~ лошаде́й в коню́шню** отларни отхонага киритиб (олиб кириб) қўймоқ; 2 *кого-что прям. и перен.* олиб бормоқ (келмоқ), олиб бориб (келиб) қўймоқ; **~ ребёнка в де́тский сад** болани боғчага олиб бориб қўймоқ; **куда́ ты нас завёл?** бизни қаёққа олиб келдинг, ўзи?; **~ в тупи́к** боши берк кўчага киритиб (олиб бориб) қўймоқ; мушкул аҳволга солиб қўймоқ; 3 *что* ўрнатмоқ; **~ не́вод** (ёйма) тўрни ўрнатмоқ (ташламоқ); 4 *кого-что* эга бўлмоқ, олмоқ, орттирмоқ; **~ соба́ку** ит олмоқ; **~ ме́бель** мебель олмоқ; мебель харид қилмоқ; **~ знако́мство** танишиб олмоқ; таниш орттирмоқ; 5 *что* (ўзи учун) ташкил этмоқ, тузмоқ, тузиб олмоқ; **~ библиоте́ку** (ўзига) кутубхона ташкил этиб олмоқ; 6 *что* жорий қилмоқ, расм қилмоқ, ёймоқ, ўрнатмоқ; **~ поря́док** тартиб жорий қилмоқ, тартиб ўрнатмоқ; 7 *что* бошламоқ; очмоқ; **~ разгово́р** гап бошламоқ, гап очмоқ; 8 *что* юритмоқ, юргизмоқ; юритиб юбормоқ (мотор ва ҳ. к. ни); бураб қўймоқ; бурамоқ (соат, ўйинчоқ ва б. ни); **~ часы́** соатни бурамоқ; **~ мото́р** моторни юргизиб юбормоқ; 9 *перен. кого разг.* асабига (заб тига) тегмоқ, асабини қўзғаб қўймоқ; феълини айнитмоқ; тезламоқ; **не пыта́йся рассерди́ть. Завести́ меня́ трудно** жаҳлимни чиқараман деб овора бўлма. Менинг асабимни қўзғаш осон эмас (асабим мустаҳкам); ✦ **~ де́ло** *юр.* дело очмоқ; **~ глаза́** *то же, что* **закати́ть глаза́** *см.* **закати́ть; как** (или **то́чно, сло́вно**) **заведённый** тўхтовсиз, бетўхтов, сира тўхтамай, худди пружинасини бураб қўйгандай.

ЗАВЕ/СТИСЬ, **-ду́сь**, **-едёшься** *сов.* (*несов.* **заводи́ться**) 1 пайдо бўлмоқ, пайдо бўлиб қолмоқ; **у него́ ~ли́сь де́ньги** унинг чўнтагида пул пайдо бўлиб қолди, у пулдор бўлиб қолди; **в кварти́ре ~ли́сь мы́ши** квартирада сичқонлар пайдо бўлиб қолди; 2 *разг.* ўрнатилмоқ, жорий қилинмоқ, жорий бўлмоқ; **~ли́сь но́вые поря́дки** янги тартиблар ўрнатилди; 3 ҳаракатга келмоқ, юрмоқ, юриб кетмоқ (мотор ва ш. к. ҳақида); **мото́р завёлся** мотор юриб кетди; **~сти́сь с пол-оборо́та** ярим айланишдаёқ (тез) ўт олмоқ, юриб кетмоқ; 4 *кем-чем разг* орттирмоқ, эга бўлмоқ, олмоқ; **~сти́сь хозя́йством** хўжалик орттирмоқ; **~сти́сь друзья́ми** дўстлар орттирмоқ; 5 *перен. разг.* асаби қўзғамоқ, (таранг бўлмоқ); феъли айнимоқ; тезланмоқ; **что-то он сего́дня с утра́ завёлся** бугун унинг нима учундир эрталабдан асаблари таранг (феъли айниб турибди).

ЗАВЕ́Т *м* 1 *высок.* васият, насиҳат; ўгит; **~ы Ле́нина** Ленин васиятлари; 2 *уст.* ваъда; аҳд; ✦ **ве́тхий ~** *см.* **ве́тхий; но́вый ~** *см.* **но́вый.**

ЗАВЕ́ТН/ЫЙ, **-ая**, **-ое** 1 қимматли, ардоқли, азиз, муқаддас, табаррук; **~ое кольцо́** табаррук узук; 2 юракдаги, кўнгилдаги, эзгу; **~ые ду́мы** эзгу ўйлар; **~ые мечты́** кўнгилдаги орзулар; 3 аҳд-паймон билан боғланган, сирли, махфий, яширин; **~ый клад** яширин хазина, дафина; 4 *уст.* ман қилинган, қатағон, **~ые пе́сни** ман қилинган қўшиқлар.

ЗАВЕ́ТРЕНН/ЫЙ I, **-ая**, **-ое** шамолга тескари, шамолдан пана; **~ая сторона́** шамолга тескари томон.

ЗАВЕ́ТРЕНН/ЫЙ II, **-ая**, **-ое** шамолда қуритилган; **~ое мя́со** шамолда қуритилган гўшт.

ЗАВЕША́ТЬ *сов.* (*несов.* **завешивать** I) **осмоқ, осиб** қўймоқ, осиб ташламоқ (тўлдирмоқ); **~ сте́ны карти́нами** деворларга расмлар осиб ташламоқ, деворларни расмлар осиб тўлдирмоқ.

ЗАВЕ́ШИВАТЬ I *несов. см.* **заве́шать.**

ЗАВЕ́ШИВАТЬ II *несов. см.* **заве́сить.**

ЗАВЕ́ШИВАТЬСЯ I, **-ается** *несов. страд. от* **заве́шивать** I.

ЗАВЕ́ШИВАТЬСЯ II *несов.* 1 *см.* **заве́ситься**; 2 *страд. от* **заве́шивать** II.

ЗАВЕЩА́НИ/Е *с* васият; васиятнома; **сде́лать ~е** васият қилмоқ; **по ~ю** васиятнома бўйича, васиятномага биноан; **написа́ть ~е** васиятнома ёзмоқ.

ЗАВЕЩА́ТЕЛЬ *м* васият қилувчи (васият қилиб қолдирган) шахс.

ЗАВЕЩА́ТЕЛЬНИЦА *ж см.* **завеща́тель.**

ЗАВЕЩА́ТЕЛЬН/ЫЙ, **-ая**, **-ое** васият билан боғлиқ бўлган; васият...; **~ое распоряже́ние** васият **фармойиши; ~ое письмо́** васиятнома.

ЗАВЕЩА́/ТЬ *сов.* и *несов.* 1 *кого-что, кому* васият қилмоқ (қилиб қолдирмоқ); **~ть иму́щество де́тям** мол-мулкини болаларига васият қилиб қолдирмоқ; 2 *кому* и *с неопр.* васият қилиб айтиб кетмоқ.

ЗАВЗЯ́ТЫЙ, **-ая**, **-ое** *разг.* 1 жон-дили билан берилган (севган), ишқивоз, ашадди; **~ охо́тник** ишқивоз **овчи**, ашадди овчи; **~ театра́л** театрни жон-дили билан севган одам, театр ишқивози; 2 ҳақиқий, чин асил, чинакам; **~ земледе́лец** ҳақиқий деҳқон.

ЗАВИВА́ТЬ *несов. см.* **зави́ть.**

ЗАВИВА́ТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **зави́ться**; 2 *страд. от* **зави́ть.**

ЗАВИ́ВКА *ж* 1 *по гл.* **зави́ть** и **зави́ться**; 2 **завивка**, жингалак; **шестиме́сячная ~** олти ойлик завивка.

ЗАВИ́ДЕТЬ, **-и́жу**, **-и́дишь** *сов. разг.* кўриб қолмоқ, олисдан (узоқдан) кўрмоқ, кўзи тушмоқ.

ЗАВИ́ДКИ: ~ беру́т *прост.* ҳаваси(м) келади, рашки(м) келади, ҳасад қилади киши.

ЗАВИДНЕ́/ТЬСЯ, **-е́ется** *сов.* 1 кўриниб қолмоқ, кўринмоқ, кўзга ташланмоқ; **вдали́ ~лись хло́пковые поля́** узоқда пахта далалари кўринди; 2 *безл. разг.* тонг ёриша бошламоқ; ёришмоқ; **Ра́но у́тром, чуть ~лось, Ани́сья Назо́рова пошла́ дои́ть коро́ву** (А. Н. Толстой) Эрталаб тонг ёришиши билан Анисья Назарова сигирларни соққани кетди.

ЗАВИ́ДНО *нареч.* 1 ҳавас келтирадиган (қилгудек) даражада, кўзини ўйнатиб; **он ~ здоров** у кишининг ҳаваси келгудек соғлом; унинг соғломлиги кишининг ҳавасини келтиради; 2 *безл. в знач. сказ. кому* ҳавасинг келади; **мне (ему́** и т. д.) **~** менинг (унинг ва ҳ. к.) ҳаваси(м) келади.

ЗАВИ́ДН/ЫЙ, **-ая**, **-ое**; **-ден**, **-дна** ҳавас келтирадиган, ҳавас қилгудек, кўзни ўйнатадиган, кўз куядиган, ҳасад (рашк) келтирадиган; **~ое здоро́вье** ҳавасни келтирадиган соғломлик.

ЗАВИ́Д/ОВАТЬ *несов. кому-чему* ҳавас қилмоқ; кўзи ўйнамоқ (куймоқ); рашк (ҳасад) қилмоқ; **я ~ую его́ успе́хам** мен унинг ютуқларига ҳавас қиламан.

ЗАВИ́ДУ́ЩИ/Й, **-ая**, **-ее** *прост.* суқ, ўч, очкўз; **глаза́ ~е** суқ кўзлар; еб қўйгудек кўзлар.

ЗАВИЗЖА́ТЬ *сов.* чинқира бошламоқ, чийиллай бошламоқ, ғингший бошламоқ.

ЗАВИЗИ́РОВАТЬ *сов.* (*несов.* **визи́ровать** I) *что* виза қўймоқ; **~ па́спорт** паспортга виза қўймоқ.

ЗАВИЛЯ́ТЬ *сов.* 1 *чем* ликиллатмоқ, қимирлатмоқ, ликиллата (қимирлата) бошламоқ; 2 *перен. разг.* чап беришга уринмоқ, тулкилик (муғомбирлик) қилмоқ.

ЗАВИНТИ́ТЬ, **-нчу́**, **-нти́шь** *сов.* (*несов.* **зави́нчивать**) *что* винтламоқ, винтлаб қўймоқ, бураб қўймоқ, маҳкамламоқ; **~ шуру́пы** шурупларни бураб қўймоқ.

ЗАВИНТИ/ТЬСЯ, **-и́тся** *сов.* (*несов.* **зави́нчиваться**) яхши буралмоқ, маҳкам бўлмоқ; **га́йка хорошо́ ~лась** гайка яхши буралди.

ЗАВИ́НЧИВАТЬ *несов. см.* **завинти́ть.**

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЗАВИ́НЧИВАТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **завинти́ться**; 2 *страд. от* **завинчивать**.

ЗАВИРА́ТЬСЯ *несов. см.* **завра́ться**.

ЗАВИСА́ТЬ *несов. ав.* бир жойда муаллақ турмоқ, қимирламай туриб қолмоқ (самолёт, вертолёт ҳақида).

ЗАВИ́С/ЕТЬ, -и́шу, -и́сишь *несов. от кого-что* 1 қарам (тобе) бўлмоқ; бировнинг измида бўлмоқ; **~еть от руководи́теля** раҳбар измида бўлмоқ; 2 боғлиқ бўлмоқ; **сие́ от нас не ~ит** бу бизга боғлиқ эмас; **э́то ~ит от обстоя́тельств** бу вазиятга боғлиқ.

ЗАВИ́СИМОСТ/Ь *ж* 1 қарамлик, тобелик, эрксизлик, қуллик; **крепостна́я ~ь** крепостной қарамлик (қуллик); **колониа́льная ~ь** колониал қарамлик, мустамлака бўлиш; **экономи́ческая ~ь** иқтисодий жиҳатдан тобелик; 2 қарамлик, мутелик, қарам (измида) бўлиш; **находи́ться в ~и** *от кого-л.* бировга қарам бўлмоқ; бировнинг измида бўлмоқ; 3 боғлиқлик, боғлиқ бўлиш; боғланиш; **в ~и** *от чего-л.* -га қараб; -га боғлиқ ҳолда; **в ~ от обстоя́тельств** шароитга (вазиятга) қараб; шароитга (вазиятга) боғлиқ ҳолда; шароит (вазият) тақозоси билан; **математи́ческая ~ь** математик боғланиш.

ЗАВИ́СИМ/ЫЙ, -ая, -ое 1 қарам, тобе; эрки (изми) бировнинг қўлида бўлган; **~ые стра́ны** қарам мамлакатлар; 2 боғлиқ бўлган, боғланган боғлиқ; тобе; **~ое положе́ние** боғлиқлик, тобелик; ✦ **~ая переме́нная** эрксиз ўзгарувчан катталик.

ЗАВИ́СТЛИВО *нареч.* ҳасад билан, ғайирлик (ичи қоралик) қилиб, кўролмасдан; **смотре́ть ~** *на что-л.* ҳасад билан (ёки суқланиб) қарамоқ.

ЗАВИ́СТЛИВОСТЬ *ж* хасадчилик, ғайирлик, ичи қоралик, бахиллик, кўролмаслик, суқлик.

ЗАВИ́СТЛИВЫЙ, -ая, -ое ҳасадли, ғайир, ичи қора, бахил; кўролмайдиган; суқ; **~ челове́к** ҳасадчи одам; ғайир (ичи қора) одам; **~ взгля́д** хасад билан қараш; суқланиб қараш.

ЗАВИ́СТНИК *м* ҳасадчи (ҳасад қилувчи) одам; ғайир, ичи қора, бахил, суқ.

ЗАВИ́СТНИЦА *ж см.* **зави́стник**.

ЗАВИСТЬ *ж* ҳасад, рашк, кўра олмаслик, суқ; **возбужда́ть ~** *в ком-л.* бировда ҳасад уйғотмоқ, рашкини (ҳавасини) келтирмоқ.

ЗАВИТ/О́Й, -а́я, -о́е 1 завивкаланган, завивка қилинган; жингалак; **~ы́е ло́коны** жингалак зулфлар; 2 сочи жингалак; **~а́я де́вочка** сочи жингалак қиз бола; 3 ўралган, буралган, ўроғлиқ; **~а́я про́волока** ўралган (ўроғлиқ) сим.

ЗАВИТ/О́К *м, р.* **-тка́** 1 жингала, жингалак, гажак; **~о́к воло́с** соч гажаги. 2 *чего* или *какой* гажак шаклида ўралган нарса, ўрам, гажак, жимжима, жингала; чирмов; **~о́к орна́мента** нақш жимжимаси; **~ки́ ды́ма** тутун пағаси; паға-паға тутун.

ЗАВИТУ́ШКА *ж, р. мн.* **-шек** 1 *то же, что* **завито́к** 1; 2 жимжима, гажак; 3 *перен.* жимжимадор гап, услуб.

ЗАВИ́ТЬ, -вью, -вьёшь *сов.* (*несов.* **завива́ть**) *что* 1 жингалакламоқ, жингалак (гажак) қилмоқ; завивкаламоқ, завивка қилмоқ (қилдирмоқ); **~ во́лосы** сочларини жингалак қилмоқ; сочларини завивка қилдирмоқ; 2 *нар.-поэт.* и *обл.* ўрмоқ, эшмоқ; қилмоқ; **~ верёвки** арқон ўрмоқ; **~ венки́** гулдаста қилмоқ; 3 чирмашиб (ўраб) кетмоқ, ўралиб олмоқ; **...лиа́ны плюща́ зави́ли ча́стые молоды́е оси́нки** (М. Пришвин) ... Печакгул чирмовуқлари қалин ёш теракларни ўраб олган; ✦ **~ го́ре верёвочкой** *прост. шутл.* ғам-ғуссани ташламоқ, хафаликни ёзмоқ.

ЗАВИ́ТЬСЯ, -вьётся *сов.* (*несов.* **завива́ться**) 1 жингалакланмоқ, гажак бўлмоқ, ўралмоқ; 2 буралиб-буралиб (паға-паға бўлиб) чиқмоқ, кўтарилмоқ; 3 сочларини завивка қилдирмоқ.

ЗАВИХРЕ́НИЕ *с спец.* уюрмаланиш, қуюнланиш; уюрманинг (қуюннинг) ҳосил бўлиши; уюрма, қуюн; **~ воды́** сувнинг уюрмаланиши; сув уюрмалари; **~ во́здуха** ҳаво нинг уюрмаланиши, ҳаво уюрмалари.

ЗАВИХРИ́ТЬ *несов. что* уюрмалантирмоқ, чир-чир айлантириб учирмоқ (кўтармоқ).

ЗАВИХРИ́/ТЬСЯ, -ится *несов.* уюрмаланмоқ; уюрмаланиб (чир-чир айланиб) кўтарилмоқ, учмоқ; **в во́здухе ~лись сухи́е ли́стья** ҳавода (осмонда) қуруқ барглар уюрмаланиб (чир-чир айланиб) учарди.

ЗАВКО́М *м* (заводско́й комите́т) завком (завод комитети).

ЗАВЛАДЕВА́ТЬ *несов. см* **завладе́ть**.

ЗАВЛАДЕ́ТЬ *сов.* (*несов.* **завладева́ть**) *кем-чем* 1 эгалламоқ, эгаллаб олмоқ; қўлга киритмоқ; **~ неприя́тельской кре́постью** душман қалъасини эгалламоқ; 2 *перен.* босмоқ, вужудини қамраб (чулғаб) олмоқ; **чу́вство стра́ха завладе́ло им** уни қўрқув босди. 3 *перен.* ўзига қаратмоқ, тортмоқ, жалб қилмоқ; **~ внима́нием** эътиборни жалб қилмоқ; 4 измига солмоқ, қўлга (ўз таъсирига) олмоқ.

ЗАВЛЕКА́ТЕЛЬНЫЙ, -ая, -ое; -лен, -льна *разг.* қизиқ, қизиқтирадиган, ўзига тортадиган, қизиқарли, мароқли.

ЗАВЛЕКА́ТЬ *несов. см.* **завле́чь**.

ЗАВЛЕКА́ТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **завле́чься**; 2 *страд. от* **завлека́ть**.

ЗАВЛЕ́ЧЬ, -еку́, -ечёшь; -ёк, -екла́ *сов.* (*несов.* **завлека́ть**) қизиқтирмоқ, ўзига мойил қилмоқ, оғдирмоқ, тортмоқ.

ЗАВЛЕ́ЧЬСЯ, -еку́сь, -ечёшься; -ёкся, -екла́сь *сов.* (*несов.* **завлека́ться**) *чем разг.* қизиқиб қолмоқ, берилиб кетмоқ.

ЗАВО́Д I *м* завод; **фа́брики и ~ы** фабрика ва заводлар; **автомоби́льный ~** автомобиль заводи; **станкострои́тельный ~** станоксозлик заводи; **металлурги́ческий ~** металлургия заводи; **ко́нный ~** от заводи (зотли отлар етиштирадиган корхона).

ЗАВО́Д II *м* 1 *по гл.* **завести́ — заводи́ть** 8; **~ часо́в** соатни бураш, соатни бураб қўйиш; 2 буров, мурват, пружина; **игру́шка с ~ом** мурватли (пружинали) ўйинчоқ; **часы́ с неде́льным ~ом** бурови бир ҳафтага етадиган соат; 3 *полигр.* завод (тиражнинг алоҳида босилган бир қисми); ✦ **(и) в ~е нет** *разг.* йўқ ва ҳеч қачон бўлмаган.

ЗАВОДИ́ЛА *м* и *ж разг.* бошлаб берувчи одам, ташаббускор, онабоши, ишбоши.

ЗАВОДИ́ТЬ *несов. см.* **завести́**.

ЗАВОДИ́/ТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **завести́сь**; 2 *страд. от* **заводи́ть**.

ЗАВО́ДКА *ж разг. то же, что* **заво́д II**, 1; **~ часо́в** соатни бураш, соатни бураб қўйиш.

ЗАВО́ДН/ОЙ, -а́я, -о́е 1 бураладиган, бураб юргизиладиган, мурватли, пружинали; **~а́я игру́шка** бураладиган ўйинчоқ, мурватли ўйинчоқ; 2 *перен. разг.* зардаси тез, забти тор, қизиққон; **~о́й па́рень** зардаси тез бола.

ЗАВОДОУПРАВЛЕ́НИЕ *с* завод бошқармаси.

ЗАВО́ДСК/ИЙ, -ая, -ое и **ЗАВО́ДСКО́Й, -а́я, -о́е** 1 заводга оид, қарашли; заводда тайёрланган (ёки етиштирилган); завод...; **~и́е корпуса́** завод корпуслари; **~о́й комите́т** завод комитети; **~и́е дета́ли** заводда тайёрланган деталлар; **~и́е ко́ни** заводда етиштирилган отлар; 2 *в знач. сущ.* **~ий** и **~о́й** *м прост.* завод ишчиси.

ЗАВОДЧА́НИН *м, мн.* **-а́не** *разг.* завод ишчиси; завод ходими.

ЗАВО́ДЧИК I *м* заводчи бой (капиталист); завод эгаси.

ЗАВО́ДЧИК II *м то же, что* **зачи́нщик**.

ЗАВО́ДЬ *ж* дарё (ёки кўл) қўлтиғи, қўлтиқ.

ЗАВОЕВА́НИ/Е *с* 1 *по гл.* **завоева́ть**; **~е страны́** мамлакатни босиб олиш; **~е Ю́жного по́люса** Жанубий қутбни забт этиш; 2 босиб олинган (забт этилган, истило қилинган) ерлар; **~я Алекса́ндра Македо́нского** Александр Македонский босиб олган ерлар; 3 *перен.* қўлга олиш, қўлга киритиш; қозониш, эришиш, сазовор бўлиш; **~е дове́рия** ишонч қозониш; 4 *перен.* ютуқ, муваффақият; ғалаба; **вели́кие ~я разви́того социали́зма** ривожланган социализмнинг улуғ ғалабалари.

ЗАВОЕВА́ТЕЛ/Ь *м* 1 босқинчи, истилочи, зобит; жаҳонгир; 2 *перен.* забт этган киши, забткор; **~и космоса** космосни забт этган кишилар, космос забткорлари.

ЗАВОЕВА́ТЕЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое истилочиликдан (босқинчиликдан) иборат бўлган, босиб олишга қаратилган; босқинчилик...; **~ая поли́тика агре́ссоров** агрессорларнинг босқинчилик сиёсати.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЗАВОЕВА́ТЬ *сов.* (*несов.* **завоёвывать**) 1 *кого-что* босиб олмоқ, забт (истило) қилмоқ; 2 *перен. что* қўлга олмоқ, қўлга киритмоқ; қозонмоқ, эришмоқ, сазовор бўлмоқ, орттирмоқ; ~ **дове́рие** ишонч қозонмоқ; ~ **положе́ние** мавқени эгалламоқ; ~ **свобо́ду** озодликка эришмоқ; ~ **о́бщую симпа́тию** ҳамманинг муҳаббатига сазовор бўлмоқ.

ЗАВОЁВЫВАТЬ *несов. см.* **завоева́ть.**

ЗАВО́З *м по гл.* **завезти́** — **завози́ть** I; ~ **това́ров в магази́н** магазинга мол келтириш; ~ **материа́лов на стро́йку** қурилишга материал олиб келиш (келтириш, олиб бориш, етказиб бориш).

ЗАВОЗИ́ТЬ I *несов. см.* **завезти́.**

ЗАВОЗИ́ТЬ II *сов. прост.* кир-яғир қилмоқ, яғирини чиқармоқ.

ЗАВОЗИ́ТЬСЯ I, **-о́зится** *несов. страд. от* **завози́ть** I; **в магази́н ежедне́вно завозятся но́вые това́ры** магазинга ҳар куни янги мол келтирилади.

ЗАВОЗИ́ТЬСЯ II, **-ожу́сь, -о́зишься** *сов. прост.* уст-боши кир-яғир бўлмоқ, уст-бошининг яғири чиқмоқ.

ЗАВОЗИ́/ТЬСЯ III, **-ожу́сь, -о́зишься** *сов. разг.* ғимирлай бошламоқ, ғимир-ғимир қилмоқ; **ребёнок** ~**лся во сне** бола уйқусида ғимирлай бошлади.

ЗАВОЛА́КИВАТЬ I *несов. см.* **заволо́чь** I.

ЗАВОЛА́КИВАТЬ II *несов. см.* **заволо́чь** II.

ЗАВОЛА́КИВАТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **заволо́чься**; 2 *страд. от* **завола́кивать** I.

ЗАВОЛНОВА́/ТЬСЯ *сов.* 1 хавотир бўла бошламоқ, хавотирга (ҳаяжонга) тушмоқ, изтиробга келмоқ; 2 тўлқинлана бошламоқ, мавж ура бошламоқ, тўлқинланмоқ; **мо́ре** ~**лось** денгиз тўлқинлана бошлади.

ЗАВОЛО́/ЧЬ I, **-очёт, -оку́т; -о́к, -окла́** *сов.* (*несов.* **завола́кивать** I) *чем что* ўрамоқ, қопламоқ, буркамоқ; ўраб (қоплаб) олмоқ; тўлмоқ; **ту́чи** ~**кли́ не́бо** осмонни булут қоплаб олди; **слёзы** ~**кли́ ей глаза́** унинг кўзлари ёшга тўлди; **бу́хту** ~**кло́ тума́ном** бухтани туман қоплади.

ЗАВОЛО́ЧЬ II, **-оку́, -очёшь; -о́к, -окла́** *сов.* (*несов.* **завола́кивать** II) *кого-что разг.* судраб олиб бормоқ (келмоқ); судраб олиб кирмоқ; ~ **мешки́ в сара́й** қопларни судраб саройга киритиб қўймоқ.

ЗАВОЛО́/ЧЬСЯ, -очётся, -оку́тся; -о́кся, -окла́сь *сов.* (*несов.* **завола́киваться**) тўлмоқ, ўралмоқ, қопланмоқ, буркалмоқ; **глаза́** ~**клúсь слеза́ми** кўзлар(и) ёшга тўлди; **па́луба** ~**кла́сь бе́лым о́блаком па́ра** палуба оппоқ буғ булути билан қопланди.

ЗАВОПИ́ТЬ *сов. разг.* дод-вой қила бошламоқ, дод-вой солмоқ, фарёд кўтармоқ.

ЗАВОРА́ЖИВАТЬ *несов. см.* **заворожи́ть.**

ЗАВОРА́ЧИВА/ТЬ *несов.* 1 *см.* **завороти́ть**; 2 *чем прост.* бошқармоқ, идора қилмоқ, юргизмоқ; ~**ть произво́дством** ишлаб чиқаришни бошқармоқ; **он** ~**ет большúми дела́ми** у катта ишларни бошқаради; у катта-катта ишларни қиляпти.

ЗАВОРА́ЧИВАТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **заворати́ться**; 2 *страд. от* **завора́чивать** 1.

ЗАВОРОЖИ́/ТЬ *сов.* (*несов.* **завора́живать**) *кого-что* 1 сеҳрламоқ, афсун қилмоқ, аврамоқ; 2 мафтун қилмоқ, шайдо қилмоқ, эс-ҳушини олиб қўймоқ, эс-ҳушидан айирмоқ; **Свои́ми чу́дными очáми Тебя́ стари́к** ~**л...** (Пушкин) Ўзининг чиройли кўзлари билан Чол эс-ҳушингни олиб қўйибди.

ЗАВОРОТ *м:* ~ **кишóк** ичакларнинг буралиши (бураліб қолиши).

ЗАВОРОТИ́ТЬ, -очу́ -о́тишь *сов.* (*несов.* **завора́чивать**) *разг.* 1 бурилмоқ, қайтмоқ; ~ **наза́д** орқага қайтмоқ; ~ **вле́во** чапга бурилмоқ; 2 йўл-йўлакай кирмоқ, йўлакай кириб ўтмоқ; **во вре́мя прогу́лки заворати́ли к прия́телю** сайр вақтида йўлакай дўстимизникига кириб ўтдик; 3 *кого-что* бурмоқ, қайтармоқ; қайтариб (бурib) олиб келмоқ (кирмоқ); ~ **ло́шадь наза́д** отни орқага бурмоқ (қайтармоқ); ~ **путеше́ственника к себе́ домо́й** сайёҳни йўлдан қайтариб (бурib) уйига олиб келмоқ; 4 *что* букламоқ, қайирмоқ, қайтармоқ, буклаб (қайириб, қайтариб) қўймоқ; **Оди́н у́гол занаве́ски был слегка́ заворо́чен...** (Чехов) Парданинг бир учи андак қайтарилган эди.

ЗАВОРОТИ́ТЬСЯ, -очу́сь, -о́тишься *сов.* (*несов.* **завора́чиваться**) 1 бурилмоқ, қайтмоқ, бурилиб кетмоқ; қайтиб келмоқ; 2 букланиб (қайрилиб, қайтарилиб) қолмоқ.

ЗАВОРО́ШКА *ж прост.* чалкашлик, чигаллик, кутилмагандаги мушкул аҳвол.

ЗАВОРЧА́ТЬ *сов.* тўнғиллай бошламоқ, вайсаб кетмоқ.

ЗАВРА́ТЬСЯ, -ру́сь, -рёшься *сов.* (*несов.* **завира́ться**) *разг.* ёлғонни кўп гапирмоқ, ёлғон гапириб қўлга тушмоқ, ёлғончилик қилиб ўсал (ёки бебурд) бўлиб қолмоқ.

ЗАВСЕГДА́ *нареч. прост.* ҳар доим, ҳамиша, ҳамма вақт, доим(о).

ЗАВСЕГДА́ТАЙ *м* канда қилмай (ҳеч қолмай) келиб турадиган одам, ҳамиша ҳозир, ҳозиру нозир, кунда шунда; ~ **рестора́на** доим ресторанда қолган (ресторандан чиқмайдиган) одам, ресторанниng ҳозиру нозири; ~ **теа́тра** театрнинг доимий ишқибози.

ЗА́ВТРА *нареч.* 1 эрта, эртага; **прие́ду** ~ эртага келаман; 2 *в знач. сущ.* ~ *с нескл.* эртаси, эртаси кун; эртанги кун; **отложи́ть на** ~ или **до** ~ эртага (ёки эртагача) қолдирмоқ; **на́ше** ~ бизнинг эртамиз, эртанги кунимиз, келажагимиз.

ЗА́ВТРАК *м* нонушта, наҳорлик, эрталабки овқат, завтрак; ✦ **корми́ть** ~**ами** *разг.* эрта-индин деб алдаб юрмоқ, қуруқ ваъдага қорнини тўйғизмоқ.

ЗА́ВТРАКАТЬ *несов.* (*сов.* **поза́втракать**) нонушта (наҳорлик) қилмоқ, завтрак қилмоқ.

ЗА́ВТРАШН/ИЙ, -яя, -ее эртанги, эрта(га) бўладиган; ~**яя прогу́лка** эртага бўладиган сайр; **забо́титься о** ~**ем дне** эртанги кунни (келажакни) ўйламоқ.

ЗАВУАЛИ́РОВАНН/ЫЙ, -ая, -ое 1 *прич. от* **завуали́ровать**; 2 *в знач. прил.* пардаланган, ниқобланган, бекитилган; **в** ~**ом ви́де** пардалаб, ниқоблаб; ниқобланган ҳолда.

ЗАВУАЛИ́РОВАТЬ *сов.* (*несов.* **вуали́ровать**) *что* 1 парда тутмоқ, юпқа парда билан қопламоқ; 2 *перен.* ниқобламоқ, пардаламоқ, бекитмоқ; ~ **фа́кты** фактларни пардаламоқ.

ЗА́ВУЧ *м* (**заве́дующий** уче́бной ча́стью) илмий мудир.

ЗА́ВХОЗ *м* (**заве́дующий** хозя́йственной ча́стью) завхоз (хўжалик бўлими мудири).

ЗА́ВШИВЕТЬ *сов.* (*несов.* **вши́веть**) битлаб кетмоқ.

ЗА́ВШИВЛЕННЫЙ, -ая, -ое *разг.* битлаган, битлаб кетган, бит босган.

ЗАВЫВА́/ТЬ *несов.* 1 увилламоқ, ғувилламоқ, увиллаб турмоқ; ғув-ғув қилмоқ; ~**ют шака́лы** чиябўрилар увиллаб туради; ~**ет в трубе́ ве́тер** трубада шамол ғувуллайди (ғув-ғув қилади); 2 *что* и *без доп. разг.* увиллагандай (ёмон) айтмоқ.

ЗАВЫВА́ЮЩИЙ, -ая, -ее 1 *прич. от* **завыва́ть**; 2 *в знач. прил.* увиллаган, чийиллаган; ингроқ; **жа́лобный,** ~ **го́лос** аянчли, ингроқ овоз.

ЗАВЫСИ́ТЬ, -ы́шу, -ы́сишь *сов.* (*несов.* **завыша́ть**) *что* оширмоқ, кўтармоқ, юқорилатмоқ, ошириб юбормоқ; ~ **отме́тку на экза́мене** имтиҳонда баҳони ошириб юбормоқ (ортиқ баҳо қўймоқ); ~ **це́ны** нарх-навони ошириб (кўтариб) юбормоқ; ~ **план** планни ошириб (катта қилиб) юбормоқ.

ЗАВЫ/ТЬ *сов.* увиллай бошламоқ, ғувиллай бошламоқ, увиллай кетмоқ; ~**ли во́лки** бўрилар увиллай бошлашди; ~**л ве́тер** шамол ғувиллай бошлади.

ЗАВЫША́ТЬ *несов. см.* **завы́сить.**

ЗАВЬЮЧИВА́ТЬ *несов. см.* **завью́чить.**

ЗАВЬЮЧИ́ТЬ *сов.* (*несов.* **завью́чивать**) *кого* юкламоқ, юк ортмоқ; ~ **верблю́да** туяга юк ортмоқ.

ЗАВЯДА́ТЬ *несов. см.* **завя́нуть.**

ЗАВЯЗА́ТЬ I *сов.* (*несов.* **завя́зывать**) 1 *что* боғламоқ, тугмоқ; ~ **у́зел** тугун тугмоқ; ~ **га́лстук** галстукни боғламоқ; 2 *что* ўраб (танғиб) боғламоқ, боғлаб қўймоқ; ~ **паке́т** пакетни ўраб боғламоқ; ~ **больно́й па́лец** яradор бармоқни ўраб боғламоқ; 3 *что во что* бўғчаламоқ, тугунга ўраб боғламоқ; ~ **гря́зное бельё в у́зел** кирни бўғчаламоқ; 4 *что* бошламоқ; боғламоқ, ўрнатмоқ; ~ **бой** жанг бошламоқ; ~ **перестре́лку** отишма бошламоқ; ~ **разгово́р** гап бошламоқ; ~ **знако́мство** танишмоқ, танишиб олмоқ; ~ **отноше́ния** алоқа боғламоқ; 5 *прост.* йиғиштирмоқ, қўймоқ, ташламоқ. тарк этмоқ (жиноят дунёсини, ўғирликни ва ҳ. к.); 6 *бот.* тугмоқ, шоналамоқ.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЗАВЯЗАТЬ II *несов. см.* **завязну́ть.**

ЗАВЯЗА/ТЬСЯ, -я́жется *сов.* (*несов.* **завя́зываться**) 1 боғланмоқ, тугилмоқ; **га́лстук пло́хо ~лся** галстук яхши боғланмади (боғланмабди); 2 бошланмоқ; қовушиб кетмоқ (тушмоқ); **~лся разговор** гап бошланди, гап қовушиб тушди; **~лся бой** жанг бошланди; 3 *бот.* тугмоқ; **плод ~лся** мева тугди.

ЗАВЯЗИ́ТЬ *сов. что разг.* ботирмоқ, тиқмоқ, суқмоқ; чўқтирмоқ; **~ но́гу в гли́не** оёқни лойга ботирмоқ.

ЗАВЯЗК/А *ж* 1 *разг. по гл.* **завяза́ть** I — **завя́зывать**; **~а мешко́в** қопларнинг **ого́вини** боғлаш; 2 боғич, боғ, тасма; 3 бош(и), бошланиш(и), бошланма(си); **~а бо́я** жангнинг бошланиши, бошланмаси; 4 *лит.* тугун(и); **~а дра́мы** драманинг тугуни; ✦ **по (или под) ~у** *прост.* 1) қулоғигача, бўғзигача; **рабо́ты по са́мую ~у** иш жуда кўп; иш бошдан ошиб ётибди; 2) **учма-уч, сро́ки сократи́ли под ~у** муддатлар учма-уч (аранг) етадиган қилиб қискартирилди.

ЗАВЯЗНУ́ТЬ *сов.* (*несов.* **завя́зать** II) 1 ботмоқ, тиқилмоқ, ботиб (тиқилиб) қолмоқ; **~ в боло́те** ботқоққа тиқилиб қолмоқ; 2 *перен.* ботмоқ, кўмилмоқ; **ботиб** (кўмилиб) кетмоқ; **~ в до́лгах** қарзга кўмилиб кетмоқ; **~ в тру́дностях** қийинчиликдан чиқолмай қолмоқ.

ЗАВЯЗЫВАТЬ *несов. см.* **завяза́ть** I.

ЗАВЯЗЫВА/ТЬСЯ, -ается *несов.* 1 *см.* **завяза́ться**; 2 *страд. от* **завя́зывать.**

ЗАВЯЗЬ *ж бот.* тугунча, уруғдон.

ЗАВЯЛИВАТЬ *несов. см.* **завя́лить.**

ЗАВЯЛИВА/ТЬСЯ, -ается *несов.* 1 *см.* **завя́литься**; 2 *страд. от* **завя́ливать.**

ЗАВЯЛИТЬ *сов.* (*несов.* **завя́ливать**) *что* қоқламоқ, қуритмоқ; қоқлаб (қуритиб) **олмоқ**, қоқлаб (қуритиб) қўймоқ; **~ рыбу** балиқни қоқламоқ (қоқлаб қўймоқ).

ЗАВЯЛИ́ТЬСЯ, -ится *сов.* (*несов.* **завя́ливаться**) қоқланмоқ, қуримоқ, қоқ бўлмоқ.

ЗАВЯ́НУТЬ *сов.* (*несов.* **завяда́ть**) сўл(и)моқ, қуришмоқ, сўлиб қолмоқ, хазон бўлмоқ.

ЗАГАДА/ТЬ *сов.* (*несов.* **зага́дывать**) 1 *что* топишмоқ айтмоқ; **~ть зага́дку** топишмоқ айтмоқ; 2 *что* и *без доп.* кўнгилда ўйламоқ, ўйлаб қўймоқ; **~ть на ка́ртах** кўнгилда ўйлаб, сўнгра уни картада текширмоқ; 3 *разг.* мўлжаллаб қўймоқ, ният қилмоқ; **ты далеко́ ~л** сен узоқни мўлжаллаб қўйибсан.

ЗАГАДИ́ТЬ, -а́жу, -а́дишь *сов.* (*несов.* **зага́живать**) *разг.* 1 *что* ифлос (кир) қилмоқ, булғамоқ, булғатмоқ, харом (нопок) қилмоқ; 2 *перен. кого-что* ёмонламоқ, ёмон отлиқ қилмоқ, бадном қилмоқ.

ЗАГАДК/А *ж, р. мн.* **-док** 1 топишмоқ, жумбоқ; **загада́ть ~у** топишмоқ айтмоқ; 2 *перен.* жумбоқ, муаммо, тилсим; сир; **~и приро́ды** табиат жумбоқлари, табиат сирлари; ✦ **говори́ть ~ами** муаммо (имоли) қилиб гапирмоқ, имо-ишора қилиб гапирмоқ, қочирим қилиб гапирмоқ.

ЗАГАДО́ЧН/ЫЙ, -ая, -ое; -чен, -чна жумбоқли, сирли, муаммоли, тушуниб бўлмайдиган, тушунилиши қийин, ғалати, таажжуб, ажиб; **~ое явле́ние** жумбоқли ҳодиса, тушуниб бўлмайдиган (таажжуб) ҳодиса; **~ое выраже́ние лица́** сирли чеҳра (юз).

ЗАГАДЫВАТЬ *несов. см.* **зага́дать.**

ЗАГА́ЖИВАТЬ *несов. см.* **зага́дить.**

ЗАГАЗОВАННЫЙ, -ая, -ое газлар билан ифлосланган, заҳарли газлар билан тўйинган; **~ во́здух** заҳарли газлар билан ифлосланган ҳаво.

ЗАГАЛДЕ́ТЬ, -де́шь *сов.* ғовур-ғувур кўтармоқ, чуғур-чуғур бошламоқ, чуғурлашиб кетмоқ.

ЗАГА́Р *м* офтобда қорайиш; баданнинг офтобда қорайган ранги.

ЗАГАСА́ТЬ, -а́ет *несов. см.* **зага́снуть.**

ЗАГАСИ́ТЬ *сов.* (*несов.* **гаси́ть**) *что* ўчирмоқ, сўндирмоқ, ўчириб қўймоқ.

ЗАГАС/НУТЬ, -нет; зага́с, -ла *сов.* (*несов.* **загаса́ть**) *уст.* ўчмоқ, ўчиб қолмоқ; **свеча́ ~ла** шам ўчиб қолди.

ЗАГАТИ́ТЬ, -ачу́, -ати́шь *сов.* (*несов.* **гати́ть и зага́чивать**) *что* хода (ёки шох-шабба ва ҳ. к.) ётқизмоқ, шох-шабба ётқизиб (ташлаб, босиб) йўл қилмоқ.

ЗАГАЧИВАТЬ *несов. см.* **загати́ть.**

ЗАГВО́ЗДКА *ж, р. мн.* **-док** *разг.* ишкаллик, чатоқлик, қийинчилик, тўсқинлик, ғов; **так вот в чём ~!** мана чатоқлик (қийинчилик) қаерда экан!; **вся ~ в нехва́тке вре́мени** ҳамма қийинчилик вақтнинг етмаётганлигида.

ЗАГИ́Б *м* 1 букилган, эгилган жой, букик, эгик; **~листа́** листнинг букиги (букилган жойи); 2 бурилиш; 3 *перен.* қинғайиш, оғиш; **пра́вый ~ ўнгга қинғайиш.**

ЗАГИБА́ТЬ *несов. см.* **загну́ть.**

ЗАГИБА́ТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **загну́ться**; 2 *страд. от* **загиба́ть.**

ЗАГИПНОТИЗИ́РОВАТЬ *сов.* (*несов.* **гипнотизи́ровать**) гипнозламоқ, аврамоқ, гипноз қилиб қўймоқ.

ЗАГЛА́ВИЕ *с* сарлавҳа; ном; **~ статьи́** мақоланинг сарлавҳаси (номи); **~ кни́ги** китобнинг номи.

ЗАГЛА́ВН/ЫЙ, -ая, -ое бош; **~ый лист** бош варақ (китобнинг сарлавҳаси, номи ёзилган варақ); **~ая бу́ква** бош ҳарф, катта ҳарф

ЗАГЛАДИ́ТЬ, -а́жу, -а́дишь *сов.* (*несов.* **загла́живать**) *что* 1 текисламоқ, силлиқламоқ, ёзмоқ; силлиқлаб (текислаб, ёзиб) юбормоқ; **~ скла́дки утюго́м** ғижимларни дазмол билан текисламоқ (ёзмоқ, ўлдирмоқ); 2 *перен.* ювмоқ, ёпмоқ, хаспўшламоқ, силлиқлаб (текислаб) юбормоқ; юмшатмоқ; кўнгилдан чиқармоқ; **~ свою́ вину́** ўз айбини ювмоқ (ёки хаспўшламоқ), **~ оши́бку** хатони текислаб юбормоқ; **~ оби́ду** гинани кўнгилдан чиқармоқ.

ЗАГЛА́ДИ/ТЬСЯ, -ится *сов.* (*несов.* **загла́живаться**) 1 текисланмоқ, силлиқланмоқ, ёзилмоқ, текис (силлиқ) бўлмоқ, дазмолланмоқ; **швы хорошо́ ~лись** чоклар яхши дазмолланди; 2 *перен.* ювилмоқ, ёпилмоқ, хаспўшланмоқ; силлиқ (текис) бўлиб кетмоқ; юмшамоқ, кўнгилдан чиқмоқ; **оби́да ~лась** гина-кудурат кўнгилдан чиқиб кетди.

ЗАГЛАЖИВАТЬ *несов. см.* **загла́дить.**

ЗАГЛАЖИВА/ТЬСЯ, -ается *несов.* 1 *см.* **загла́диться**; 2 *страд. от* **загла́живать.**

ЗАГЛАЗНО *нареч.* сиртидан, орқасидан, орқаворатдан, ўзи йўғида, ўзи йўқнинг кўзи йўқ зайлида; **~ осужда́ть** *кого-л.* ўзи йўғида қораламоқ (ёмонламоқ, айбламоқ).

ЗАГЛАЗН/ЫЙ, -ая, -ое орқасидан (сиртидан) айтилган, ўзи йўғида бўлган, орқаворатдан (ўзи йўқнинг кўзи йўқ зайлида) қилинган; **~ое обзыне́ние** орқасидан айблаш, ўзи йўғида ёмонлаш; **~ые разгово́ры** орқаворатдан бўлган (бўладиган) гаплар; орқасидан гапириш.

ЗАГЛА́ТЫВАТЬ *несов. см* **заглота́ть.**

ЗАГЛОТА/ТЬ, -а́ет *сов.* (*несов.* **загла́тывать**) *кого-что* ютмоқ, ютиб юбормоқ; **щу́ка ~ла живца́** чўртан балиқ қармоққа илинган емни (човоқ балиқни) ютиб юборди.

ЗАГЛОХЛЫЙ, -ая, -ое *разг. уст.* харобага айланган, хазон бўлган, завол топган, хароб; **~ лес** хароб ўрмон.

ЗАГЛОХ/НУТЬ, -ну, -нешь; загло́х, -ла *сов.* (*несов.* **гло́хнуть** 2, 3, 4, 5) 1 ўчмоқ, сўнмоқ, босилмоқ; жимимоқ, тўхтамоқ; ўчиб (жимиб, босилиб, тўхтаб) қолмоқ; **~ли зву́ки** товушлар босилиб (тўхтаб) қолди; 2 ўчмоқ, тўхтамоқ; ўчиб (тўхтаб, ишламай) қолмоқ (мотор ва ш. к. ҳақида); **мото́р ~** мотор ўчиб қолди; 3 *перен.* сўнмоқ, ёддан кўтарилиб кетмоқ; **воспомина́ния ~ли** хотиралар сўнди (ёддан кўтарилиб кетди); 4 нообод бўлиб (ҳувиллаб) қолмоқ, ташландиқ ҳолга келмоқ, харобага айланмоқ; **Опя́ть всё ~ло бы в ко́мнатах Обло́мова, е́сли б не Ани́сья....** (Гончаров) Агар Анисья бўлмаса, Обломовнинг уйлари яна ҳувиллаб қолиши мумкин эди...; 5 ўт босиб кетмоқ, ўт босиб сиқилиб қолмоқ; хароб бўлмоқ; **сад ~** боғни ўт босиб, хароб бўлиб қолибди; 6 *перен.* тўхтаб қолмоқ, бўғилмоқ, ўлмоқ; **де́ло ~ло** иш тўхтаб қолди, иш ўлди.

ЗАГЛО́ХШИ/Й, -ая, -ее 1 *прич. от* **загло́хнуть**; 2 *в знач. прил. то же, что* **заглохлый**; 3 *в знач. прил.* ўчган, сўнган, унутилган; **давно́ ~е воспомина́ния** аллақачон унутилган хотиралар.

ЗАГЛУБИ́ТЬ, -блю́, -би́шь *сов.* (*несов.* **заглубля́ть**) *что спец.* чуқурлаштирмоқ, яна чуқур қилмоқ; ичкарига киритмоқ (тортмоқ); **~ о́кна в зда́нии** деразаларни бинога ичкарироқ ўрнатмоқ.

ЗАГЛУБЛЯ́ТЬ *несов. см.* **заглуби́ть.**

ЗАГЛУША́ТЬ *несов. см.* **заглуши́ть.**

ЗАГЛУША́ТЬСЯ, -а́ется *несов.* 1 *см.* **заглуши́ться**; 2 *страд. от* **заглуша́ть.**

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЗАГЛУШИ́/ТЬ *сов.* (*несов.* **заглуша́ть** и **глуши́ть** 2, 3) 1 босиб кетмоқ, эшитилмайдиган қилиб қўймоқ; **ве́тер ~л шум мо́ря** шамол денгиз шовқинини босиб кетди; **шамолдан денгизнинг шовқини эшитилмай қолди**; 2 юмшатмоқ; **ковёр ~л звук шаго́в** гилам оёқ товушларини юмшатади; 3 *разг.* ўчирмоқ, тўхтатмоқ; **ўчириб** (тўхтатиб) қўймоқ; **~ть мото́р** моторни ўчириб қўймоқ; 4 *перен.* камайтирмоқ; юмшатмоқ, кесмоқ, босмоқ, **тўхтатмоқ**; **~ть бо́ль** оғриқни кесмоқ, оғриқни тўхтатмоқ; 5 босиб кетмоқ, босиб кетиб сиқиб қўймоқ, **хароб қилмоқ**; **сорня́к ~л посе́вы** экинларни ёввойи ўт босиб сиқиб қўйибди; 4 *перен.* бўғмоқ, бўғиб қўймоқ, бостирмоқ, тўхтатмоқ; **агре́ссорам не ~ть борьбу́ наро́дов за мир** агрессорлар халқларнинг тинчлик учун курашини бўға (тўхтата) олмайдилар.

ЗАГЛУШИ́ТЬСЯ *сов.* (*несов.* **заглуша́ться**) ўчмоқ, сўнмоқ, тўхтамоқ, босилмоқ, пасаймоқ.

ЗАГЛУ́ШКА *ж, р. мн.* **-шек** тиқин, қопқоқ.

ЗАГЛЯДЕ́НЬЕ *с разг.* жуда чиройли (одам қараб тўймайдиган) нарса; **карти́на — ~** расм бирам чиройлики, ҳеч қараб тўймайсан киши; **пирог получи́лся на ~** пирог қараб тўймайдиган бўлиб чиқибди.

ЗАГЛЯДЕ́ТЬСЯ, -яжу́сь, -ядя́шься *сов.* (*несов.* **загля́дываться**) *на кого-что разг. то же, что* **засмотре́ться.**

ЗАГЛЯ́ДЫВАТЬ *несов. см.* **заглянуть.**

ЗАГЛЯ́ДЫВАТЬСЯ *несов. см.* **загляде́ться.**

ЗАГЛЯНУ́ТЬ *сов.* (*несов.* **загля́дывать**) 1 қарамоқ, қараб қўймоқ, кўз ташламоқ, назар солмоқ; мўраламоқ; **~ в окно́** деразадан қарамоқ; деразадан кўз ташламоқ; **~ под дива́н** диван остини қараб қўймоқ; 2 *разг.* бирров кириб чиқмоқ, кириб ўтмоқ; **~ к прия́телю** ошнасиникига бирров кириб ўтмоқ; 3 *перен.* кўз ташламоқ, қараб (кўз югуртириб) чиқмоқ; **~ в журна́л** журналга кўз югуртириб (кўриб) чиқмоқ; 4 *перен.* мўраламоқ, тушмоқ, нурини сочиб ёритмоқ; **со́лнце загляну́ло в окно́** қуёш деразадан мўралади; деразадан қуёш нури тушди; 5 *перен.* қарамоқ, қўл солиб кўрмоқ; **~ в ду́шу** юрагига қўл солиб кўрмоқ.

ЗАГНА́ИВАТЬ *несов. см.* **загноить.**

ЗАГНА́ИВАТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **загноиться**; 2 *страд. от* **загна́ивать.**

ЗАГНА́НН/ЫЙ **-ая, -ое** 1 *прич. от* **загна́ть**; 2 *в знач. прил.* ҳориган, жони-ҳалак қолмаган, ҳолдан тойган, силласи қуриган, даққи; **~ая ло́шадь** ҳориган (даққи) от; **~ый за́яц** силласи қуриган қуён; 3 *перен. в знач. прил.* эзилган, шўрлик; ҳорғин; **~ый челове́к** эзилган одам; **~ый вид** ҳорғин кўриниш.

ЗАГНА́ТЬ *сов.* (*несов.* **загоня́ть**) 1 *кого-что* ҳайдаб киргизмоқ; уриб (қувиб тепиб) киритмоқ; **~ коро́ву в хлев** сигирни оғилхонага ҳайдаб киргизмоқ; **~ мяч в воро́та** коптокни дарвозага тепиб киритмоқ; 2 *что* қоқмоқ, қоқиб юбормоқ (киргизмоқ); **~ гвоздь в до́ску** михни тахтага қоқиб киргизмоқ; 3 *кого-что* ҳоритмоқ, ҳолдан тойдирмоқ, сўлғини ўйнатмоқ, суробини тўғриламоқ; **~ ло́шадь** отни ҳолдан тойдирмоқ; 4 *что прост.* пулламоқ, сотмоқ, сотиб юбормоқ, пул қилмоқ; **~ пальто́** пальтони пулламоқ (сотиб юбормоқ).

ЗАГНИВА́НИЕ *с по гл.* **загнива́ть**; **~ от сы́рости** зах тортиб чириб қолиш; **~ капитали́зма** капитализмнинг чириши.

ЗАГНИВА́ТЬ *несов. см.* **загни́ть.**

ЗАГНИВА́ЮЩИЙ, -ая, -ее чириб бошлаган, чириб бораётган; **~ капитали́зм** чириб бораётган капитализм.

ЗАГНИ́/ТЬ *сов.* (*несов.* **загнива́ть**) 1 чиримоқ, иримоқ, айнимоқ; чириб (ирий) бошламоқ, чириб (ириб) қолмоқ, чириб (ириб) кетмоқ; **капу́ста ~ла** карам чириб қолибди; 2 *перен.* чиримоқ.

ЗАГНОИ́ТЬ *сов.* (*несов.* **загна́ивать**) *что разг.* 1 чиритиб (иритиб) қўймоқ, чиритиб (иритиб) юбормоқ; **~ о́вощи** сабзавотни чиритиб қўймоқ; 2 йиринглатмоқ, газак олдирмоқ; **~ ра́ну** яранги газак олдирмоқ.

ЗАГНОЙ/ТЬСЯ, -и́тся *сов.* (*несов.* **загна́иваться**) йирингламоқ, газак олмоқ, маддаламоқ, фасод боғламоқ; **ра́на ~лась** яра йирингламоқ кетди (кетибди).

ЗАГНУ́ТЫЙ, -ая, -ое 1 *прич. от* **загну́ть**; 2 *в знач. прил.* қайрилган, қайрилма, эгри; **крючкова́тый, ~ нос** қанқайган бурун.

ЗАГНУ́ТЬ *сов.* (*несов.* **загиба́ть**) 1 *что* букмоқ, эгмоқ, букламоқ; қайирмоқ; буклаб (эгиб, қайириб) қўймоқ; **~ страни́цу** саҳифани буклаб қўймоқ; **~ па́лец** бармоқни букмоқ; **~ фланг** *перен.* флангни бурмоқ; 2 *разг.* бурилмоқ, қайилмоқ, қайрилмоқ; **~ за у́гол** бурчакдан (муюлишдан) қайрилмоқ; 3 *что* и *без доп. прост.* ножўя гапирмоқ, беадаб сўз айтмоқ, ошириб юбормоқ; **~ слове́чко** беадаб сўз айтмоқ; **ну, э́то уж ты загну́л!** эй, ошириб юбординг!

ЗАГНУ́/ТЬСЯ *сов.* (*несов.* **загиба́ться**) 1 **-нётся** букилмоқ, эгилмоқ; букланмоқ; эгилиб (ёки букланиб) қолмоқ; **у́гол страни́цы ~лся** саҳифанинг бурчаги букилиб қолди (қолибди); **носки́ ту́фель ~лись кве́рху** туфлиларнинг тумшуқлари қанқайиб қолибди; 2 *прост.* ўлмоқ, қулоғи остида қолмоқ.

ЗАГОВА́РИВАТЬ I *несов.* 1 *см.* **заговори́ть** I, 3; 2 *с кем* гаплаша (гапиришиш) бошламоқ, гапга тутмоқ, гаплашишга уринмоқ, гап қотмоқ; **~ с прохо́жими** ўткинчилар билан гаплашишга уринмоқ, ўткинчиларга гап қотмоқ.

ЗАГОВА́РИВАТЬ II *несов. см.* **заговори́ть** II.

ЗАГОВА́РИВАТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **заговори́ться**; 2 гапидан адашмоқ, пойма-пой гапирмоқ, алжимоқ, алжиб кетмоқ.

ЗАГОВЕ́НЬЕ *с* заговенье (христианларда: рўза арафаси ва шу куни охирги марта гўштли, сутли овқат ейиш).

ЗАГОВЕ́ТЬСЯ *сов. разг.* заговенье қилмоқ (христианларда: рўза арафасида охирги марта гўштли, сутли овқат емоқ).

ЗАГОВО́Р I *м* фитна, тил бириктириш; суиқасд; **контрреволюцио́нный ~** контрреволюцион фитна; ✦ **~ молча́ния** тил бириктириб бирор нарса ҳақида оғиз очмаслик, чурқ этмаслик.

ЗАГОВО́Р II *м* афсун, қайтариқ, қайтариш, даф қилиш; **~ от боле́зни** касалга қарши қайтариқ қилиш; дуо (амал ва ш. к.) билан касални даф қилиш.

ЗАГОВОРИ́/ТЬ I *сов.* 1 гапира (сўзлай) бошламоқ, гап (сўз) бошламоқ, гапга **тушмоқ**, тилга **кирмоқ**; **все ~ли сра́зу** ҳамма бараварига гапира бошлади, ҳамма бирдан гапга тушди; 2 *перен.* уйғонмоқ; **в нём ~ла со́весть** унинг виждони уйғонди; у инсофга келди; 3 (*несов.* **заговáривать** I) *кого-что разг.* гап билан чарчатмоқ, гапираверіб безор қилмоқ; гап бермаслик.

ЗАГОВОРИ́ТЬ II *сов.* (*несов.* **заговáривать** II) *кого-что* аврамоқ, сеҳрламоқ, даф қилмоқ, қайтармоқ; ✦ **~ зу́бы** *кому* гапни чалғитмоқ (айлантирмоқ), гапни четга (бошқа ёққа) бурмоқ.

ЗАГОВОРИ́ТЬСЯ *сов.* (*несов.* **заговáриваться**) гап билан овора бўлиб қолмоқ, валақлашиб қолмоқ, гапга (суҳбатга) берилиб кетмоқ.

ЗАГОВО́РЩИК *м* фитначи, тил бириктирувчи, суиқасдчи.

ЗАГОВО́РЩИЦА *ж см.* **загово́рщик.**

ЗАГОВО́РЩИЦКИЙ, -ая, -ое *разг.* фитначи(ларга) ва фитначиликка оид; фитначиларга хос бўлган, маккорона, қув; **~ вид** маккорона кўриниш, қув башара.

ЗАГОВО́РЩИЧЕСКИЙ **-ая, -ое** *то же, что* **загово́рщицкий**; ~ план маккорона план; фитначилик планлари.

ЗАГОГУЛИН/А *ж прост.* ажи-бужи нарса, кирди-чиқди белги; шикаст хат; чизма-чизиқ; **писа́ть с ~ами** ажи-бужи (кирди-чиқди) қилиб ёзмоқ.

ЗАГОДЯ *нареч. прост.* олдин(дан), барвақт, бурун(роқ); **прие́хать ~** барвақт келмоқ.

ЗАГОЛИ́ТЬ *сов.* (*несов.* **заголя́ть**) *кого-что разг.* яланғочламоқ, шир яланғоч қилиб очмоқ.

ЗАГОЛИ́ТЬСЯ *сов.* (*несов.* **заголя́ться**) *прост.* яланғочланмоқ, шир яланғоч бўлиб очилмоқ.

ЗАГОЛОВО́К *м, р.* **-вка** *то же, что* **загла́вие.**

ЗАГОЛОВО́ЧНЫЙ, -ая, -ое сарлавҳа...; катта, бош; **~ шрифт** катта (бош) ҳарфлар; йирик шрифт.

ЗАГОЛОСИ́ТЬ, -ошу́, -оси́шь *сов. прост.* бақира (ҳўнграй) бошламоқ, айтиб (ув тортиб) йиғламоқ.

ЗАГОЛУБЕ́ТЬ, -е́ет *сов.* 1 кўкариб кўринмоқ; 2 кўкара бошламоқ.

ЗАГОЛЯ́ТЬ *несов. см.* **заголи́ть.**

ЗАГОЛЯ́ТЬСЯ *несов. см.* **заголи́ться.**

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЗАГО́Н *м* 1 *по гл.* **загна́ть — загоня́ть** I. 1; 2 ўтар, қўтон, молхона; 3 майдон, пайкал; ✦ **в ~е** *разг.* хўрликда, қаровсиз.

ЗАГО́НЩИК *м* ов ҳайдовчи (овланадиган нарсани ҳуркитиб берувчи).

ЗАГОНЯ́ТЬ *несов. см.* **загна́ть.**

ЗАГОРА́ЖИВАТЬ *несов. см.* **загороди́ть.**

ЗАГОРА́ЖИВАТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **загороди́ться;** 2 *страд. от* **загора́живать.**

ЗАГОРА́ТЬ *несов.* 1 *см.* **загоре́ть;** 2 *перен. разг.* ноилож (мажбур бўлиб) тўхтаб қолмоқ, бекор турмоқ, офтобда тобланиб (офтобга чиқиб) ётмоқ; **~ без строймateриа́лов** қурилиш материаллари йўқлигидан офтобга чиқиб ётмоқ.

ЗАГОРА́ТЬСЯ *несов. см.* **загоре́ться.**

ЗАГО́РБОК *м, р.* **-бка** *разг.* ягрин.

ЗАГОРДИ́ТЬСЯ, -ржу́сь, -рди́шься *сов. разг.* кеккаймоқ, гердаймоқ, кеккая (гердая) бошламоқ, кеккайиб (гердайиб) кетмоқ, димоғи кўтарилмоқ, (шишмоқ), босар-тусарини билмай қолмоқ.

ЗАГОРЕЛ/ЫЙ, -ая, -ое офтобда қорайган; **~ое те́ло** офтобда қорайган бадан.

ЗАГОРЕ́ТЬ *сов.* (*несов.* **загора́ть** 1) офтобда қораймоқ (куймоқ); **~ на со́лнце** офтобда қораймоқ.

ЗАГОРЕ/ТЬСЯ *сов.* (*несов.* **загора́ться**) 1 ёна бошламоқ, ўт олмоқ, ўт тушмоқ (кетмоқ); **дом ~лся** уй ёна бошлади; уйга ўт тушди; **на чердаке́ ~лось** чердакка ўт кетди; 2 ёнмоқ, чақнамоқ, чарақлаб кетмоқ, йилтираб кўринмоқ; **вдали́ ~лись огни́** йироқда чироқлар йилтираб кўринди (кўрина бошлади); **~лись огни́ в о́кнах домо́в** уйларнинг деразаларида чироқлар ёнди; **на не́бе ~лись звёзды** осмонда юлдузлар чарақлаб кетди; 3 *перен. чем, от чего* и *без доп.* ёнмоқ, чақнамоқ, порламоқ, чақнаб кетмоқ; **глаза́ ~лись от ра́дости** қувончдан кўзлари порлаб кетди; **глаза́ ~лись не́навистью** ғазабдан кўзлари ёнди (ёнарди); **лицо́ ~лось румя́нцем** юзи қип-қизариб кетди, юзига қизил югурди; 4 *перен. кому, чем* и *без доп. разг.* қаттиқ истамоқ, иштиёқида ёнмоқ, жуда ҳам истаб қолмоқ, истаги келиб (қистаб) қолмоқ; **вдруг ~лось ему́ уе́хать** унинг бирдан кетгиси келиб қолди; **~ться стра́стью** иштиёқида ёнмоқ (куймоқ, ўртанмоқ); **се́рдце ~лось** юракка ўт тушди; **кровь ~лась** ғайрати қистаб кетди; 5 *перен.* қизғин суратда бошланмоқ, қизиб кетмоқ; **~лся спор** қизғин баҳс бошланиб кетди; ✦ **~лся сыр-бор** *см.* **бор.**

ЗАГОРО́Д *м разг. то же, что* **при́город; жить в ~е** шаҳар атрофида (шаҳардан ташқарида) яшамоқ.

ЗАГОРОДИ́ТЬ *сов.* (*несов.* **загора́живать**) *кого-что* а иҳота қилмоқ, девор (ғов, тўсиқ) билан ўрамоқ; **~ двор забо́ром** ҳовлини девор билан тўсиб қўймоқ; 2 тўсмоқ, паналамоқ, тўсиб қўймоқ; пана қилмоқ, ўз панасига олмоқ; **~ свет** ёруғликни тўсмоқ; **~ собо́й беззащи́тного** ҳимоясиз кишини гавдаси билан паналамоқ; 3 тўсмоқ, ғов солмоқ, тўсиб қўймоқ; **~ доро́гу** йўлни тўсиб қўймоқ; 4 *прост.* уйиб (тўлдириб) ташламоқ, тиқиштирмоқ; **~ склад я́щиками** омборхонага яшикларни тиқиштирмоқ (тиқиштириб ташламоқ).

ЗАГОРОДИ́ТЬСЯ *сов.* (*несов.* **загора́живаться**) 1 иҳоталанмоқ, девор (ғов, тўсиқ) билан ўраб, ажратиб (ёки ажралиб) олмоқ; 2 паналанмоқ, ўзини панага олмоқ; **~ от со́лнца** қуёшдан паналанмоқ, қуёшдан ўзини панага олмоқ.

ЗАГОРО́ДКА *ж, р. мн.* **-док** *разг.* иҳота, девор, тўсиқ, ғов.

ЗАГОРОДН/ЫЙ, -ая, -ое шаҳар ташқарисидаги (чеккасидаги), шаҳардан ташқаридаги; **~ый дом** шаҳар чеккасидаги уй; **~ая прогу́лка** шаҳардан ташқаридаги сайр; шаҳар ташқарисига сайр қилиш.

ЗАГОСТИ́ТЬСЯ, -ощу́сь, -ости́шься *сов. разг.* узоқ меҳмон бўлиб қолмоқ, меҳмондорчиликда кўп туриб қолмоқ (қолиб кетмоқ).

ЗАГОТАВЛИВАТЬ *несов. см.* **загото́вить.**

ЗАГОТОВИ́ТЕЛЬ *м* тайёрловчи.

ЗАГОТОВИ́ТЕЛЬНЫ/Й, -ая, -ое тайёрлашга оид, тайёрлаш билан шуғулланадиган, тайёрловчи; тайёрлаш;... тайёрлов...; **~е организа́ции** тайёрлаш ташкилотлари; **~й цех** тайёрлаш (тайёрлов) цехи; **~е це́ны** тайёрлов нархлари.

ЗАГОТОВИ́ТЬ *сов.* (*несов.* **заготовля́ть и загота́вливать**) *что* 1 тайёрламоқ, тайёрлаб (тахт қилиб) қўймоқ, ҳозирламоқ; **~ все спра́вки** барча маълумотларни тайёрлаб қўймоқ; 2 тайёрламоқ, ғамламоқ, ғамлаб қўймоқ; **~ о́вощи** сабзавот тайёрламоқ; **~ корм для скота́** молларга ем-ҳашак ғамламоқ.

ЗАГОТО́ВК/А *ж, р. мн.* **-вок** 1 *по гл.* **загото́вить; ~а кормо́в** ем-хашак тайёрлаш; 2 заготовка, ярим маҳсулот, танавор; **~и для сапо́г** этик заготовкаси (танавори).

ЗАГОТОВЛЯ́ТЬ *несов. см.* **загото́вить.**

ЗАГОТОВО́ЧН/ЫЙ, -ая, -ое заготовка учун белгиланган, заготовка қиладиган; заготовка...; **~ая маши́на** заготовка машинаси.

ЗАГОТО́ВЩИК *м* 1 *то же, что* **заготови́тель;** 2 заготовкачи, заготовка (танавор) тайёрловчи ишчи.

ЗАГОТО́ВЩИЦА *ж см.* **загото́вщик.**

ЗАГРАБА́СТАТЬ *сов.* (*несов.* **заграба́стывать**) *кого-что* и *чего прост.* ўмармоқ, ўпирмоқ, талаб (тортиб, юлиб-юлқиб) олмоқ, олиб қўймоқ.

ЗАГРАДИ́ТЕЛЬ *м* заградитель (мина, сим ва ҳ. к. дан тўсиқ қўювчи ҳарбий кема); **ми́нный ~** мина қўювчи заградитель.

ЗАГРАДИ́ТЕЛЬНЫЙ, -ая, -ое тўсадиган, тўсувчи; тўсиқ...; **~ ого́нь** тўсувчи ўт (душман йўлини кесиш учун ёғдирилган ўқ); **~ отря́д** тўсувчи отряд.

ЗАГРАДИ́ТЬ, -ажу́, -ади́шь *сов.* (*несов.* **загражда́ть**) *что* тўсмоқ, тўсиб қўймоқ, тўсиқ қурмоқ; **~ путь ми́нами** йўлни миналар қўйиб тўсмоқ.

ЗАГРАЖДА́ТЬ *несов. см* **заради́ть.**

ЗАГРАЖДЕ́НИ/Е *с* 1 *по гл.* **заради́ть; ~е селевы́х пото́ков** селларнинг йўлини тўсмоқ; 2 иҳота, девор, тўсиқ, ғов; **про́волочные ~я** сим тўсиқ, сим ғов; **ми́нное ~е** миналар тўсиқ.

ЗАГРА́НИЦ/А *ж разг.* чет эл(лар), чет (ҳорижий) мамлакат(лар); **торго́вля с ~ей** чет эл(лар) билан савдо қилиш; ҳорижий мамлакат(лар) билан бўлган савдо.

ЗАГРАНИ́ЧН/ЫЙ, -ая, -ое чет эл(лар)га оид, ҳорижий, ажнабий; чет элдан келтирилган; **~ый па́спорт** чет эл паспорти (бирор мамлакатдан бошқа мамлакатга бориш учун бериладиган махсус паспорт); **~ый това́р** чет элдан келтирилган мол; чет эл моли; **~ая командиро́вка** ҳорижий мамлакатларга командировка.

ЗАГРА́НК/А *ж прост.* чет элга бориш (сузиш); **верну́ться из ~и** чет элга сузишдан қайтиб келмоқ.

ЗАГРЕБА́ТЬ *несов. см.* **загрести́** I.

ЗАГРЕБИСТЫЙ, -ая, -ое *прост. то же, что* **загребу́щий.**

ЗАГРЕБН/О́Й, -а́я, -о́е 1: **~о́е весло́** охирги (кетингги) эшкак; **~а́я сторона́** қайиқнинг (қуйруғидан қараганда) чап томони; 2 *в знач. сущ.* **~о́й** *м* кетинги эшкакчи.

ЗАГРЕБУ́ЩИ/Й, -ая, -ее *прост.* и *нар.-поэт.* олғир, пулга (мол-дунёга) ўч; пул (мол, дунё) учун ўлган, муккасидан кетган очкўз; **ру́ки ~е** олғир одам; пулга, мол-дунёга ўч одам.

ЗАГРЕМЕ́ТЬ I, **-млю́, -ми́шь** *сов. прост.* гурсиллаб (гурс этиб) тушмоқ, гурсиллаб (гумбурлаб) йиқилмоқ; **~ по ле́стнице** зинапоядан гурсиллаб йиқилмоқ.

ЗАГРЕМЕ́/ТЬ II, **-млю́, -ми́шь** *сов.* (*несов.* **греме́ть**) 1 гумбурламоқ, гулдурамоқ, қалдирамоқ, даранглamоқ, гулдурай бошламоқ, гумбурлаб (гулдураб) кетмоқ; гумбур-гумбур (қалдир-қулдур, шалдир-шулдур, даранг-дурунг) қилмоқ; **~л гром** момақалдироқ гулдуради; **пу́шки ~ли** тўплар гумбурлай (гумбур-гумбур ота) бошлади; 2 *чем* тарақлатмоқ, тақир-туқур (шақир-шуқур) қилмоқ; **~ть посу́дой** идиш-товоқни тарақлатмоқ (шақир-шуқур қилмоқ); 3 *перен.* донғи (довруғи) чиқмоқ, ном чиқармоқ, дувдув гап бўлмоқ; 4 *прост.* шовқинлай бошламоқ, шовқин солмоқ; ваҳилламоқ.

ЗАГРЕСТИ́ I, **-ребу́, -ребёшь; -рёб, -ребла́** *сов.* (*несов.* **загреба́ть**) *что разг.* 1 сидириб (шипириб) ташламоқ, йиғиб (тўплаб) қўймоқ; 2 сидириб олмоқ, шипирмоқ; **~ де́ньги со стола́** столдаги пулларни сидириб олмоқ.

ЗАГРЕСТИ́ II, **-ребу́, -ребёшь; -рёб, -ребла́** *сов.* эшмоқ, эша бошламоқ (эшкакни).

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЗАГРИВ/ОК *м, р.* **-вка** 1 яғриндаги ёл; ёл таги; **~ок ло́шади** отнинг яғринидаги ёли; 2 *прост.* гардан, энса, бўйин; **дать по ~ку** бўйнига туширмоқ (солмоқ).

ЗАГРИМИРОВА́ТЬ, -ру́ю, -ру́ешь *сов.* (*несов.* **загримиро́вывать** и **гримирова́ть** 2) *кого* и *кем* гримламоқ, грим қилмоқ, гримлаб ўхшатмоқ; **~ старико́м** чолга ўхшатиб гримламоқ, гримлаб чол қилиб (чолга ўхшатиб) қўймоқ.

ЗАГРИМИРОВА́ТЬСЯ, -ру́юсь, -ру́ешься *сов.* (*несов.* **загримиро́вываться** и **гримирова́ться**) ўзини гримламоқ, ўзига грим суртмоқ, ўзини гримлаб бирор қиёфага кирмоқ.

ЗАГРИМИРОВЫВА́ТЬ *несов. см.* **загримирова́ть.**

ЗАГРИМИРО́ВЫВАТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **загримирова́ться**; 2 *страд. от* **загримиро́вывать.**

ЗАГРИППОВА́/ТЬ, -пу́ю, -пу́ешь *сов.* грипп билан оғримоқ (касалланмоқ), грипп бўлиб қолмоқ (ётиб олмоқ).

ЗАГРО́БН/ЫЙ, -ая, -ое 1 *рел.* охиратдаги, нариги дунёдаги; **~ый мир** нариги дунё; **~ая жизнь** нариги дунёдаги ҳаёт; 2 ер остидан (тобутдан) келаётгандек, паст, бўғиқ; **~ый го́лос** паст (бўғиқ) овоз; ер тагидан чиқаётгандек овоз; **~ая тишина́** гўристондагидек жимжитлик.

ЗАГРОМОЖДА́ТЬ *несов. см.* **загромозди́ть.**

ЗАГРОМОЖДЕ́НИЕ *с по гл.* **загромозди́ть — загроможда́ть; ~ доро́ги** йўлни тиқилинч қилиб юбормоқ; **~ статьи́ нену́жными подро́бностями** мақолани кераксиз тафсилотлар билан ғалвайтириш.

ЗАГРОМОЗДИ́ТЬ *сов.* (*несов.* **загроможда́ть**) *что* 1 тиқиштирмоқ, тиқилинч қилиб қўймоқ, тирбанд қилиб юбормоқ; **~ прохо́д вещами́** ўтиш жойини нарсалар билан тиқилинч қилмоқ; 2 *перен.* ғалвайтирмоқ, шиширмоқ, тўлдириб юбормоқ; **~ расска́з подро́бностями** ҳикояни майдачуйда тафсилотлар билан тўлдириб юбормоқ.

ЗАГРУБЕ́Л/ЫЙ, -ая, -ое 1 дағаллашган, ғарғаша, қуришиқ, дағал, ғадир-будур, қаварик; **~ые ру́ки** дағал қўллар; қаварик (ғарғаша) қўллар; 2 дағаллашган, қўполлашган, тўрс, қўпол, совуқ; **~ая душа́** тўрс (қўпол) одам, совуқ одам; 3 дийдаси қотган, дийдаси қаттиқ; **~й челове́к** дийдаси қаттиқ одам.

ЗАГРУБЕ́/ТЬ *сов.* (*несов.* **грубе́ть**) дағаллашмоқ, қавармоқ, ғарғаша (дағал) бўлиб қолмоқ; **ко́жа ~ла** эт (бадан) дағал (ғарғаша) бўлиб қолди; 2 дағаллашмоқ, қўполлашмоқ, дағал (қўпол, тўрс) бўлиб кетмоқ; 3 дийдаси қотмоқ, дийдаси қаттиқ бўлиб кетмоқ; **~ть в одино́честве** ёлғизликда дийдаси қотмоқ.

ЗАГРУЖА́ТЬ *несов. см.* **загрузи́ть.**

ЗАГРУЖА́ТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **загрузи́ться**; 2 *страд. от* **загружа́ть.**

ЗАГРУ́ЖЕННОСТЬ и **ЗАГРУЖЕ́ННОСТЬ** *ж* 1 юк билан таъминланганлик, юк билан бандлик; **~ желе́зных доро́г** темир йўлларнинг юк билан таъминланганлиги; 2 иш билан таъминланганлик (бандлик), иши (вазифаси) кўплик; **больша́я ~ рабо́тников** ходимларнинг ортиқ даражада иши кўплиги (ёки иш билан бандлиги).

ЗАГРУЗИ́ТЬ, -ужу́, -у́зишь *сов.* (*несов.* **загружа́ть**) 1 *что кем-чем* юк ортмоқ; юкламоқ; **~ ба́ржу у́глем** баржага кўмир юкламоқ; 2 *кого-что* иш (вазифа) бермоқ, иш билан банд (таъмин) қилмоқ, юкламоқ; **~ рабо́той** иш билан банд қилмоқ, иш (вазифа) юкламоқ; **~ рабо́чий день** иш кунини тўлиқ иш билан таъминламоқ; 3 *что чем спец.* ташламоқ, солмоқ; **~ печь ши́хтой** печга шихта ташламоқ.

ЗАГРУЗИ́ТЬСЯ, -ужу́сь, -у́зишься *сов.* (*несов.* **загружа́ться**) *разг.* 1 юкланмоқ, юк олмоқ; 2 *разг.* иш билан бўлмоқ, иш (вазифа) олмоқ.

ЗАГРУ́ЗКА *ж* 1 *по гл.* **загрузи́ть**; 2 иш (ёки юк) билан таъминланганлик.

ЗАГРУ́ЗОЧНЫ/Й, -ая, -ое юклайдиган, юк ортадиган (ортувчи); юклаш...; **~е маши́ны** юк ортадиган (ортувчи) машиналар, юклаш машиналари.

ЗАГРУ́ЗЧИК *м спец.* юкловчи, юк ортувчи.

ЗАГРУНТОВА́ТЬ, -ту́ю, -ту́ешь *сов.* (*несов.* **загрунто́вывать**) грунтламоқ, грунт бермоқ, бир сидра хомаки бўёқ бериб чиқмоқ; **~ холст** бўзга грунт бермоқ.

ЗАГРУНТО́ВЫВАТЬ *несов. см.* **загрунтова́ть.**

ЗАГРУСТИ́/ТЬ, -ущу́, -усти́шь *сов.* маъюс (хафа, ғамгин) бўлиб қолмоқ, сиқилмоқ; **~ть без друзе́й** дўстларисиз сиқилмоқ; **что вы ~ли?** нега маъюс бўлиб қолдингиз?; нега маъюс (хафа) кўринасиз?

ЗАГРЫЗА́ТЬ *несов. см.* **загры́зть.**

ЗАГРЫЗ/ТЬ, -зу́, -зёшь; -ы́з, -ы́зла *сов. кого-что* 1 (*несов.* **загрыза́ть**) ғажиб ташламоқ, ғажиб ўлдирмоқ, еб кетмоқ; **во́лки ~ли оле́ня** бўрилар буғуни ғажиб ташлабди (кетибди); 2 *перен. разг.* ғажимоқ, қийнамоқ, жонини олмоқ, жонидан тўйдирмоқ, адо қилмоқ; **~ть упрёками** гинакудуратлар билан жонини олмоқ; **тоска́ его́ ~ла** ғам-ғусса уни адо қилди, ғам-ғуссадан у ич-этини еб қўйди.

ЗАГРЫ́ЗТЬСЯ, -зу́сь, -зёшься *сов.* ғажишмоқ, уришмоқ, бир-бирини ғажий бошламоқ.

ЗАГРЯЗНЕ́НИЕ *с по гл.* **загрязни́ть** и **загрязни́ться; борьба́ с ~м окружа́ющей среды́** атроф-муҳитнинг ифлосланишига қарши кураш.

ЗАГРЯЗНИ́ТЬ *сов.* (*несов.* **загрязня́ть** и **грязни́ть** 1) *кого-что* ифлос қилмоқ, кир қилмоқ, ифлосламоқ, булғатмоқ, ивирситмоқ, ифлос (кир) қилиб юбормоқ...

ЗАГРЯЗНИ́/ТЬСЯ *сов.* (*несов.* **загрязня́ться** и **грязни́ться**) ифлос бўлмоқ, кир бўлмоқ, булғанмоқ, ивирсимоқ, ифлос (кир) бўлиб кетмоқ; **пол ~лся** пол ифлос бўлди; **пла́тье ~лось** кўйлак кир бўлиб кетди.

ЗАГРЯЗНУ́ТЬ *сов.* (*несов.* **гря́знуть**) *прост.* ботиб қолмоқ, тиқилиб қолмоқ, ботиб кетмоқ; **~ в боло́те** ботқоққа (ботқоқда) тиқилиб қолмоқ.

ЗАГРЯЗНЯ́ТЬ *несов. см.* **загрязни́ть.**

ЗАГРЯЗНЯ́ТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **загрязни́ться**; 2 *страд. от* **загрязни́ть.**

ЗАГС *м* (отде́л за́писи а́ктов граждан́ского состоя́ния) загс (гражданлик ҳолати актларини қайд қилиш бўлими); **зарегистри́роваться в ~е** загсдан ўтмоқ.

ЗАГУБИ́ТЬ, -убл́ю, -у́бишь *сов. разг.* 1 *кого-что* ҳалок қилмоқ, нобуд қилмоқ, ўлдирмоқ; **~ челове́ка** одамни нобуд қилмоқ; **~ жизнь** ҳаётига зомин бўлмоқ; 2 *что разг.* беҳуда сарфламоқ, бекор кетказмоқ, исроф қилмоқ; **~ мно́го де́нег** беҳудага кўп пул сарфлаб юбормоқ; бекорга кўп пулни йўқ қилмоқ.

ЗАГУДЕ́ТЬ, -ужу́, -уди́шь *сов.* чалина бошламоқ (гудок, қўнғироқ ҳақида); ғувиллай (гувиллай) бошламоқ.

ЗАГУЛ *м прост.* узоқ (ёки тинимсиз) айш-ишрат, кайф-сафо.

ЗАГУ́ЛИВАТЬ *несов. см.* **загуля́ть.**

ЗАГУЛИВА́ТЬСЯ *несов. см.* **загуля́ться.**

ЗАГУЛЯ́ТЬ *сов.* (*несов.* **заго́уливать**) *разг.* айш-ишратга берилмоқ, бош кўтармай ичмоқ, кайф-сафо сурмоқ.

ЗАГУЛЯ/ТЬСЯ *сов.* (*несов.* **заго́уливаться**) *разг.* узоқ сайр қилмоқ, узоқ ўйнамоқ, сайр қилиб (ўйнаб) юрмоқ; **~ться до ве́чера** кечгача сайр қилмоқ (ўйнаб қолмоқ); **де́ти ~лись** болалар узоқ ўйнаб қолишди.

ЗАГУСТЕ/ТЬ, -е́ет *сов.* (*несов.* **густе́ть**) қалинлашмоқ, қуюқлашмоқ, қуюлмоқ, қуюқ тортмоқ, қуюлиб қолмоқ; **клей ~л** елим қуюқ тортди; **ка́ша ~ла** каша қуюлиб қолди; **Парк ~л, одича́л и стал похо́жим на лес** (Павленко) Парк қалинлашиб, дарахтлар ёввойилашиб кетди ва ўрмонга ўхшаб қолди.

ЗАГУСТИ́ТЬ *сов.* (*несов.* **загуща́ть**) *что* 1 қуюлтирмоқ, қуюқлаштирмоқ, қуюқ қилиб юбормоқ; **~ кле́йстер** елимни қуюқлаштирмоқ (қуюлтириб, қуюқ қилиб) юбормоқ; 2 *с.-х.* зич қилиб (қалинлаштириб) қўймоқ (юбормоқ); **~ посе́в** экинни зич (қалин) қилиб юбормоқ.

ЗАГУСТИ́/ТЬСЯ *сов.* (*несов.* **загуща́ться**) 1 қуюлмоқ, қуюқлашмоқ, қуюқ тортмоқ; 2 *с.-х.* зич бўлиб кетмоқ, қалинлашмоқ; **разреди́ть ~вшиеся посе́вы** зич бўлиб кетган экинларни сийраклаштирмоқ (яганаламоқ).

ЗАГУЩА́ТЬ *несов. см.* **загусти́ть.**

ЗАГУЩА́ТЬСЯ *несов. см.* **загусти́ться.**

ЗАД *м* 1 орқа, орт, кет; **~ автомоби́ля** автомобилнинг кети (орқаси); 2 думба, орқа, кет; 3 *мн.* **~ы́** *прост. то же, что* **задво́рки** 1; **идти́ ~а́ми** уйларнинг орқа томони билан кетмоқ (бормоқ); 4 *мн.* **~ы́** *разг.* илгари ўтилган (ўқилган) нарсалар; ҳаммага маълум гап ва ш. к. лар; **повторя́ть ~ы́** илгари ўтилган дарсларни такрорламоқ; маълум нарсаларни қайтармоқ.

ЗАДАБРИВА́ТЬ *несов. см.* **задо́брить.**

ЗАДАВА́ТЬ *несов. см.* **зада́ть.**

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЗАДАВА́ТЬСЯ I *несов.* 1 *см.* **зада́ться; 2** *страд. от* **задава́ть.**

ЗАДАВА́ТЬСЯ II *несов. прост.* ўзини катта олмоқ, кеккаймоқ, гердаймоқ, бурнини кўтармоқ.

ЗАДАВИ́ТЬ, -авлю́, -а́вишь *сов.* (*несов.* **зада́вливать**) *кого-что* 1 босиб олмоқ, босиб кетмоқ; босиб олиб (қолиб) ўлдирмоқ; **Живо́тное бы́ло зада́влено бревно́м** (Арсеньев) Ҳайвонни хода босиб қолиб ўлдирган эди (ҳайвон хода остида қолиб ўлган эди), 2 *прост.* бўғиб ўлдирмоқ; ~ **рука́ми** қўллари билан бўғиб ўлдирмоқ; 3 *перен.* эзмоқ, бўғмоқ, бостирмоқ, ўлдирмоқ; ~ **жела́ние** хоҳишни (ҳафсаласини) ўлдирмоқ.

ЗАДА́ВЛЕНН/ЫЙ, -ая, -ое 1 *прич. от* **задави́ть; мышь, ~ая ко́шкой** мушук ғажиб ўлдирган сичқон; 2 *в знач. прил.* эзилган, шўри қуриган, шўрлик; **~ое существо́** шўри қуриган одам, шўрнинг қурғур.

ЗАДА́ВЛИВАТЬ *несов. см.* **задави́ть.**

ЗАДА́НИ/Е *с* топшириқ, вазифа; **произво́дственное ~е** ишлаб чиқариш топшириғи; **боевое ~е** жанговар топшириқ; **дома́шнее ~е** уй вазифаси; **дать ~е** топшириқ бермоқ; **вы́полнить ~е** топшириқни бажармоқ; **рабо́тать по ~ю** топшириқ бўйича (топшириққа биноан) ишламоқ.

ЗА́ДАНН/ЫЙ, -ая, -ое 1 *прич. от* **за́дать; 2** *в знач. прил.* берилган, топширилган, маълум; **~ая величина́** *мат.* берилган (маълум) катталик; **~ая програ́мма** берилган программа.

ЗАДА́РИВАТЬ *несов. см.* **задари́ть.**

ЗАДАРИ́ТЬ *сов.* (*несов.* **зада́ривать**) *кого-что* 1 совға, тортиқларга кўмиб юбормоқ; кўп совға, тортиқ (совға-салом) бермоқ; ~ **детей** болаларга кўп совға бермоқ, болаларни совға билан кўмиб ташламоқ, 2 совға, тортиқлар билан сотиб олмоқ, ийдирмоқ (ёки ўзига оғдирмоқ).

ЗАДА́РОМ *нареч. прост.* 1 бекорга, текинга, жуда арзон, сувтекин; **купи́л ~** жуда арзон (сувтекин) сотиб олди(м); 2 бекорга, бекордан-бекорга, бекор, беҳуда; **пострада́л ~** бекорга жабр кўрди(м); **день пропа́л ~** кун бекор кетди.

ЗАДА́ТКИ *мн., р.* **-ов** истеъдод (қобилият) нишоналари; **у него́ хоро́шие ~** унинг қобилияти яхши (бор) кўринади.

ЗАДА́ТОК *м, р.* **-тка** бўнак, бай пули, закалат; **внести́ ~** бай пули (закалат) бермоқ.

ЗАДА́ТЬ, -дам, -дашь *сов.* (*несов.* **задава́ть**) 1 *что кому* бермоқ, юкламоқ, топширмоқ; ~ **рабо́ту** иш бермоқ (топширмоқ); ~ **уро́к** вазифа бермоқ (дарс тайёрлаш учун); ~ **зада́ние** топшириқ бермоқ; 2 *что* бермоқ, белгиламоқ; **вести́ кора́бль по ку́рсу, за́данному адмира́лом** кемани адмирал белгилаган йўналишда олиб бормоқ; 3 *что разг.* ўтказмоқ, бермоқ, уюштирмоқ; ~ **бал** бал (зиёфат) бермоқ; 4 *что, чего* и *без доп.* қўймоқ, кўрсатмоқ; ~ **стра́ху** қўрқитиб қўймоқ; **я тебе́ зада́м!** сенини, қараб тур (шошмай тур)!; кўрсатиб қўяман ҳали сенга!; 5 *что; чего* бермоқ; ~ **овса́ ло́шади** отга сули бермоқ; ✦ ~ **вопро́с** савол бермоқ; ~ **тон** 1) *муз.* бошлаб бормоқ (оркестрни, хорни); 2) ибрат кўрсатиб эргаштирмоқ.

ЗАДА́ТЬСЯ, -да́мся, -да́шься *сов.* 1 *чем* қилиб олмоқ, қўймоқ, бермоқ; ~ **це́лью** ўзига мақсад қилиб олмоқ; ~ **вопро́сом** ўзига ўзи савол бермоқ; 2 яхши бўлмоқ (келмоқ), яхши бўлиб чиқмоқ, ўнгмоқ, ўнгидан келмоқ; **де́ло ему́ не задало́сь** иши ўнгидан келмади; **ны́нешнее ле́то не задало́сь** бу йил ёз яхши келмади.

ЗАДА́Ч/А *ж* 1 вазифа, иш, мақсад, масала; **боева́я ~а** жанговар вазифа; **тру́дная ~а** қийин иш, оғир масала; **поста́вить ~у** вазифа (мақсад) қилиб қўймоқ; **вы́полнить ~у** вазифани бажармоқ; мақсадга эришмоқ; **очередны́е ~и строи́тельства** қурилишнинг навбатдаги вазифалари; 2 масала; **алгебраи́ческая ~а** алгебраик масала; **ша́хматная ~а** шахмат масаласи; **реши́ть ~у** масалани ечмоқ (ҳал қилмоқ).

ЗАДА́ЧНИК *м* масалалар тўплами; ~ **по арифме́тике** арифметикадан масалалар тўплами.

ЗАДВИГА́ТЬ *несов. см.* **задви́нуть.**

ЗАДВИ́ЖК/А *ж, р. мн.* **-жек** сурма клапан (қопқоқ), лўкидон; **дверна́я ~а** зулфин; **закры́ть дверь на ~у** эшикнинг зулфинини бекитмоқ.

ЗАДВИ́ЖН/ОЙ, -а́я, -о́е сурилма, суриладиган, ~ая **ра́ма** сурилма рама.

ЗАДВИ́НУТЬ *сов.* (*несов.* задвига́ть) *что* 1 сурмоқ, суриб қўймоқ, тиқиб (итариб) қўймоқ; ~ **корзи́ну под крова́ть** саватни каравот остига тиқиб (итариб) қўймоқ; ~ **задви́жку** лўкидонни сурмоқ; 2 суриб бекитмоқ; ~ **я́щик стола́** стол яшигини жойига итариб (бекитиб) қўймоқ; ~ **окно́ шка́фом** шкафни суриб деразани тўсмоқ; ~ **засо́вами дверь** зулфинларни суриб эшикни бекитмоқ.

ЗАДВО́РК/И *мн., р.* **-рок** 1 уйларнинг орқасидаги жой, майдон; ичкари ҳовли; пастқам ҳовли; 2 *перен.* овлоқ (чет) жой, овлоқ, хилват; ✦ **на ~ах** *чего* назар-эътибордан четда, панада.

ЗАДЕВА́/ТЬ I *сов. что прост.* қаергадир қўймоқ, тиқиштирмоқ; **куда́ ты ~л мою́ ша́пку?** телпагимни қаёққа қўйдинг?; телпагимни қаёққа тиқиштирдинг?

ЗАДЕВА́ТЬ II *несов. см.* **заде́ть.**

ЗАДЕВА́/ТЬСЯ *сов. прост.* йўқолмоқ, ғойиб бўлмоқ; **кни́га куда́-то ~лась** китоб қаёққадир ғойиб бўлди.

ЗАДЕ́Л *м разг.* и *спец.* задел (иш тўхтаб қолмаслиги учун тайёрлаб қўйилган запас ярим маҳсулот, заготовка ва ш. к.); ~ **на неде́лю** бир ҳафталик (бир ҳафтага етадиган) задел.

ЗАДЕ́ЛАТЬ *сов.* (*несов.* **заде́лывать**) *что* бекитмоқ, бекитиб ташламоқ, текислаб юбормоқ; ~ **две́ри** эшикларни бекитиб (уриб) ташламоқ; ~ **ще́ли в полу́** полдаги тирқишларни бекитмоқ; ~ **семена́** уруғни сепиб, устидан тупроқ тортиб қўймоқ.

ЗАДЕ́ЛА/ТЬСЯ *сов. кем прост.* бўлиб олмоқ; **он ~лся меха́ником** у механик бўлиб олди (олибди).

ЗАДЕ́ЛКА *ж по гл.* **заде́лать; ~ дыр** тешикларни бекитиш; ~ **семя́н в по́чву** уруғни сепиб, устидан тупроқ тортиб қўйиш.

ЗАДЕ́ЛЫВАТЬ *несов. см.* **заде́лать.**

ЗАДЕ́РГАННЫЙ, -ая, -ое 1 *прич. от* **задёргать; 2** *перен. в знач. прил.* туртки (дакки) еяверириб (гап эшитаверириб) миррасига тақалган, эзилган; ~ **челове́к** эзилган одам.

ЗАДЕ́РГА/ТЬ *сов.* 1 *кого-что чем* жиловини тортқилайвериб (силтайвериб) чарчатмоқ; **~ть ло́шадь** отнинг жиловини силтайвериб чарчатмоқ; 2 *перен. разг.* туртқилайвериб (ёки куткилайвериб, гапираверириб, дакки бераверириб) безор қилмоқ, жонидан тўйдирмоқ, эзиб юбормоқ; **~ть приди́рками** куткилайвериб (дакки бераверириб, ўтирса ўпоқ, турса сўпоқ деб) жондан тўйдирмоқ.

ЗАДЕ́РГА/ТЬСЯ *сов.* 1 қалтирай (титрай) бошламоқ, калтираб (титраб) кетмоқ, пир-пир учмоқ; **гу́бы ~лись от волне́ния** ҳаяжондан лаблари титраб кетди; 2 *перен. разг.* туртки еяверириб (ёки куткиланаверириб, дакки еяверириб, гап эшитаверириб) безор бўлмоқ, жондан тўймоқ, эзилиб кетмоқ.

ЗАДЕ́РГИВАТЬ *несов. см.* **задёрнуть.**

ЗАДЕ́РГИВАТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **задёрнуться; 2** *страд. от* **задёргивать.**

ЗАДЕРЕВЕНЕ́ЛЫЙ, -ая, -ое 1 ёғоч бўлиб қолган, ёғочдай қотиб қолган; 2 *перен.* увушиб қолган, қотиб қолган, жонсиз.

ЗАДЕРЕВЕНЕ́ТЬ *сов.* (*несов.* **деревене́ть**) 1 ёғоч бўлиб қолмоқ, ёғочдай қотиб қолмоқ; 2 *перен.* увушиб қолмоқ, қотиб қолмоқ, жонсиз бўлиб қолмоқ.

ЗАДЕРЖА́ТЬ *сов.* (*несов.* **заде́рживать**) 1 *кого-что* тўхтатмоқ, тўхтатиб (тутиб, ушлаб) қолмоқ, тўхтатиб (тутиб, ушлаб) турмоқ; ~ **по́езд** поездни тўхтатиб қолмоқ; ~ **уплы́вшие бре́вна** оқиб кетган ёғочларни ушлаб (тутиб) қолмоқ; ~ **во́ду** плоти́ной сувни тўғон билан тўхтатмоқ; 2 *что* орқага сурмоқ, кечиктирмоқ, кечиктириб юбормоқ; ~ **упла́ту до́лга на ме́сяц** қарз тўлашни бир ой кечиктирмоқ; қарзни бир ой кечиктириб тўламоқ; **дожди́ задержа́ли сев** ёмғирлар экишни кечиктириб юборди; 3 *кого-что* ушлаб (тутиб) қолмоқ, олиб қолмоқ; **меня́ задержа́ли дела́** мени иш тутиб қолди, мен иш билан тутилиб қолдим; ~ **го́стя на час** меҳмонни бир соатга олиб (ушлаб) қолмоқ; 4 *что* тўхтатиб турмоқ, секинлатмоқ; ~ **шаги́** қадамни секинлатмоқ; ~ **дыха́ние** нафасни тўхтатиб турмоқ, нафас олмай турмоқ; 5 *кого-что* ушлаб (тутиб) олмоқ, қўлга туширмоқ; ~ **престу́пника** жиноятчини тутиб олмоқ; ✦ ~ **взгляд** *на ком-чём* тикилиб (қараб) қолмоқ.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЗАДЕРЖА́ТЬСЯ *сов.* (*несов.* **задéрживаться**) 1 секинламоқ; тўхтамоқ; тўхталмоқ, тўхталиб қолмоқ; ~ **у вхóда** киришда (киравериш да) тўхталиб қолмоқ; 2 хаёлламоқ, кўпроқ бўлмоқ, туриб (хаёллаб) қолмоқ, қолиб кетмоқ; ~ **на недéлю в командировке** командировкада бир ҳафта ортиқроқ бўлмоқ; командировкадан бир ҳафта кеч қайтмоқ; ~ **в гостя́х** меҳмондорчиликда хаёллаб қолмоқ (қолиб кетмоқ); ~ **в дорóге** йўлда кўпроқ қолиб кетмоқ; 3 тўхтаб қолмоқ, секинлашмоқ; **дыха́ние задержа́лось** нафас(и) тўхтаб қолди; нафас олиш(и) секинлашди; 4 пайсалламоқ, кечикмоқ, кечиктирмоқ; **задержа́лся с рабóтой** ишни вақтида бажара олмади(м); **как с выполне́нием зада́ния?** — **Задержа́лись на недéлю** топшириқ қандай бажарияпти? — Бир ҳафта кечикдик (кечикяпмиз).

ЗАДЕ́РЖИВАТЬ *несов. см.* **задержа́ть.**

ЗАДЕ́РЖИВАТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **задержа́ться**; 2 *страд. от* **задéрживать.**

ЗАДЕ́РЖК/А *ж* 1 *по гл.* **задержа́ть**; 2 тўхтаб (ушланиб, кечикиб) қолинган вақт; сусткашлик, секинлик, кечикиш; **без ~и** тўхтатмай, кечиктирмай, зудлик билан; **На́до успéть записа́ть [мысль]. Малéйшая ~а — и мысль, блеснýв, исчéзнет** (Паустовский) [Фикрни] Вақтида (дарҳол) ёзиб олгуриш керак, сал кечикдингми, ялт этиб миятга келган фикр қочади, кетади.

ЗАДЕ́РНУ/ТЬ *сов.* (*несов.* **задёргивать**) *что* 1 тушириб, тортмоқ, сурмоқ; тортиб (суриб, тушириб) қўймоқ; **~ть по́лог** чодирни тортиб (тушириб) қўймоқ; 2 *что чем* тушириб (ёки тутиб, суриб) бекитмоқ, тутиб, бекитиб қўймоқ; **~ть окнó занавéской** парда тутиб деразани ёпмоқ, деразани парда тутиб бекитмоқ; 3 *перен.* қопламоқ, буркамоқ; қоплаб (буркаб) олмоқ; **тума́н ~л доли́ну** водийни туман қоплаб олди.

ЗАДЕ́РНУ/ТЬСЯ *сов.* (*несов.* **задёргиваться**) 1 бекилмоқ, ёпилмоқ, сурилмоқ, тушмоқ; **занавéска ~лась** парда ёпилди; 2 *чем* бурканмоқ, ўралмоқ; ўралиб олмоқ; 3 *перен. чем* қопланмоқ, бурканмоқ; **нéбо ~лось ту́чей** осмонни қора булутлар қоплади.

ЗАДЕ́/ТЬ *сов.* (*несов.* **задева́ть** II) *кого-что* 1 *за что* тегмоқ, тегиб кетмоқ, тегиб (туртиб, илиниб) ўтмоқ; туртинмоқ, қоқилмоқ; **пу́ля ~ла кость** ўқ суякка тегиб ўтди; **~ть за гвоздь** михга тегиб (илиниб) ўтмоқ; 2 *перен.* тўхтаб (тилга олиб) ўтмоқ, тўхталиб ўтмоқ; **~ть вопрóс** масала устида тўхтаб ўтмоқ; 3 *перен.* уйғотмоқ, қўзғатмоқ; **~ть любопы́тство** қизиқиш уйғотмоқ, қизиқтириб қўймоқ; **~ть самолю́бие** иззат-нафсига тегмоқ; 4 *перен. разг.* тил тегизмоқ, пичинг қилмоқ; қаттиқ тегмоқ, тегиб кетмоқ, айил ботмоқ, ранжитмоқ, хафа қилмоқ; **Гру́бый тон учи́теля óчень ~л меня́** (М. Горький) Ўқитувчининг дағал муомаласи менга қаттиқ тегди.

ЗАДЕШЕВО *нареч. прост.* арзонга, жуда арзон, сувтекин; **купи́ть ~** жуда арзонга сотиб олмоқ.

ЗАДИ́РА *м* и *ж разг.* ҳамманинг жиғига тегаверадиган (жанжал ахтарадиган, жанжални пулга сотиб оладиган) одам, ғажир, жангари, уришқоқ.

ЗАДИРА́ТЬ *несов. разг.* 1 *см.* **задра́ть**; 2 *кого* жиғига тегмоқ, аччиғини чиқармоқ, тегажоғлик қилмоқ.

ЗАДИРА/ТЬСЯ *несов. разг.* 1 *см.* **задра́ться**; 2 жиғига тегмоқ, аччиғини чиқармоқ, тегажоғлик қилмоқ; кекирдак чўзмоқ; **не ~йся!** тегажоғлик қилаверма!; кекирдагингни чўзма!; 3 *страд. от* **задира́ть.**

ЗАДИРИСТЫЙ, -ая, -ое *разг.* ҳамманинг жиғига тегаверадиган, жанжал чиқарадиган, жанжални пулга сотиб оладиган, ғажир, жангари, уришқоқ.

ЗАДН/ИЙ, -яя, -ее орқадаги, кейинги, кетинги; орқа...; **~ее колесó** орқа ғилдирак; **~ий карма́н** орқа чўнтак; **~ий ход** тисарилиш, орқага тисланиш; **~им числóм** ўтган (ўтиб кетган) число билан; ✦ **без ~их ног** (быть) *разг.* жуда чарчамоқ, оёқдан қолмоқ, ҳолдан тоймоқ, сулайиб (чўзилиб, шалайим бўлиб) қолмоқ; **~им умóм крéпок** *разг.* ақли тушдан кейин кирадиган (яъни, фурсат ўтгандан кейин ақли ишлайдиган); **~яя мысль** ғараз; ёмон ният.

ЗА́ДНИК *м* 1 дастак, тутқич, олинчўп (оёқ кийимининг учидан юқори қисми); 2 *спец.* тўри (тўрдаги) декорация.

ЗАДОБРИ́ТЬ *сов.* (*несов.* **зада́бривать**) *кого-что* ийдирмоқ, кўнглини овламоқ; оғзини мойламоқ; кўнглини овлаб (ёки оғзини мойлаб) юмшатмоқ, ўзига оғдирмоқ, ийдириб олмоқ.

ЗАДО́К *м, р.* **-дка́** 1 орқа(си); ~ **теле́ги** аравaнинг орқаси; 2 *то же, что* **за́дник** 1.

ЗАДОЛБИ́/ТЬ, -блю́, -би́шь *сов.* 1 *кого* чўқиб (чўқилаб) ўлдирмоқ; **орёл ~л за́йца** бургут қуённи чўқиб (чўқилаб) ўлдирди; 2 *что разг.* тушунмай ёд(лаб) олмоқ; **~ть уро́к** дарсни тушунмай ёд олмоқ; ✦ **~ть себе́** *что* қаттиқ ёпишиб олмоқ (бирор гапга, фикрга ва ҳ. к.).

ЗАДО́ЛГО *нареч.* анча олдин (илгари, аввал); ~ **до э́того** кундан анча олдин.

ЗАДОЛЖА́ТЬ *сов.* (*несов.* **должа́ть**) *разг.* қарз олмоқ; қарздор бўлмоқ.

ЗАДОЛЖА́ТЬСЯ *сов. прост.* қарзга ботмоқ, қарздор бўлмоқ, қарздор бўлиб қолмоқ (кетмоқ).

ЗАДО́ЛЖЕННОСТЬ *ж* қарз; қарздорлик; **больша́я ~** катта қарз; **погаси́ть ~** қарз(лар)ни узмоқ.

ЗАДО́ЛЖНИК *м разг.* қарзи бор одам, қарздор.

ЗАДО́ЛЖНИЦА *ж см.* **задо́лжник.**

ЗАДОМ *нареч.* орқаси (орқа томони) билан, орқа(си)ни ўгириб, тисарилиб; **дви́гаться ~** орқаси билан (орқасига қараб) юрмоқ, тисарилмоқ; **сиде́ть ~ к со́лнцу** офтобга орқа ўгириб ўтирмоқ; ✦ **~ наперёд** тескарисини қилмоқ, тескари.

ЗАДО́Р *м* 1 ғурур, ғайрат, шижоат, жўш; қизғинлик, жўшқинлик; **ю́ношеский ~** ёшларга хос шижоат; ёшлик ғурури; 2 тезлик, забти торлик, жиззакилик, қизиққонлик; тажанглик; **петуши́ный ~** бўлар-бўлмасга қизишиш, жўжахўрозларча жангарилик.

ЗАДО́РИНА *ж спец.* ғадир-будурлик, ғадир-будур.

ЗАДО́РИНК/А *ж, р. мн.* **-нок** *спец. то же, что* **задо́рина**; ✦ **без сучка́ без ~и или ни сучка́ ни ~и** сип-силлиқ, силлиққина, осонгина, хамирдан қил суғургандай.

ЗАДО́РИСТЫЙ, -ая, -ое *прост. то же, что* **задо́рный.**

ЗАДО́РИТЬСЯ *несов. прост.* тезлик қилмоқ, қизишмоқ.

ЗАДО́РН/ЫЙ, -ая, -ое; -рен, -рна 1 ғурурли, қизғин, жўшқин; **~ый взгля́д** ғурурли қараш, ғурурли чеҳра; **~ая ре́чь** жўшқин нутқ; 2 тез, забти тор, жиззаки, қизиққон; **~ый ма́льчик** тез (забти тор) бола.

ЗАДОХ/НУТЬСЯ, -нется; -о́хся, -лась *сов. прост.* димиқмоқ, димиқиб (уриниб, бўрсиб) қолмоқ; **вода́ в бо́чке ~лась** бочкадаги сув димиқиб қолибди.

ЗАДОХНУ́ТЬСЯ, -ну́сь, -нёшься; -ну́лся, -ну́лась и **-о́хся, -о́хлась** *сов.* (*несов.* **задыха́ться**) 1 нафаси қайтиб (бўғилиб, димиқиб) ўлмоқ; ~ **в воде́** сувда нафаси қайтиб ўлмоқ; 2 нафаси қайтмоқ (сиқилмоқ); ҳаллослamоқ, ҳарсилламоқ, энтикмоқ; ҳарсиллаб (ҳаллослаб) қолмоқ; ~ **от волне́ния** ҳаяжондан энтикмоқ; ~ **от бе́га** югуришдан ҳарсиллаб қолмоқ.

ЗАДРАЗНИ́ТЬ *сов. кого-что разг.* жиғига тегиб (тегажаклик қилиб) жонини олмоқ, тегишиб безор қилмоқ.

ЗАДРА́ИВАТЬ *несов. см.* **задрайть.**

ЗАДРА́ЙТЬ *сов.* (*несов.* **задра́ивать**) *что спец.* зич бекитмоқ; ~ **иллюмина́торы** иллюминаторларни зич бекитмоқ.

ЗАДРАПИРОВА́ТЬ, -ру́ю, -ру́ешь *сов.* (*несов.* **задрапи́ровывать** и **драпирова́ть**) *что* парда (гулдор газмол, гилам ва ҳ. к.) тутмоқ, тутиб (осиб) безатмоқ; ~ **сте́ны ковра́ми** деворларга гилам осмоқ (қоқмоқ).

ЗАДРАПИРОВА́ТЬСЯ, -ру́юсь, -ру́ешься *сов.* (*несов.* **задрапи́ровываться** и **драпирова́ться**) ўралиб олмоқ; ~ **в плащ** плашга ўралиб олмоқ.

ЗАДПРАПИРО́ВЫВАТЬ *несов.* 1 *см.* **задрапирова́ться**; 2 *страд. от* **задрапирова́ть.**

ЗАДРА́ТЬ *сов.* (*несов.* **задира́ть**) 1 *что* юқори (баланд) кўтармоқ; ~ **го́лову** бошни юқори кўтармоқ; 2 *что разг.* шимармоқ, қайириб (қайтариб) қўймоқ, кўтармоқ; ~ **рубашо́нку** кўйлакчасини қайириб қўймоқ; ~ **кору́** пўстлоғини кесиб, юқорига қайтариб қўймоқ; 3 *кого* ғажиб ўлдириб кетмоқ; **волк задра́л овцу́** бўри қўйни ғажиб ўлдириб кетибди; 4 *кого* роса калтакламоқ, урмоқ, дўппосламоқ, ~ **до сме́рти** ўлгудек қилиб урмоқ, уриб ўлдириб қўймоқ.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЗАДРА/ТЬСЯ, -дерётся *сов.* (*несов.* **задира́ться**) 1 шилинмоқ, тирналмоқ; **ко́жица ~ла́сь** тери шилиниб кетди; 2 *разг.* юқори кўтарилиб (қайрилиб) қолмоқ; **пла́тье ~ло́сь** кўйлак юқорига кўтарилиб қолибди.

ЗАДРЕБЕЗЖА́ТЬ, -жи́т *сов.* зириллай (дириллай) бошламоқ; зириллаб (дириллаб) кетмоқ.

ЗАДРЕМА́ТЬ, -емлю́, -е́млешь *сов.* (*несов.* **задрёмывать**) мудраб қолмоқ (кетмоқ); мудроқ босмоқ, пинакка кетмоқ, кўзи илинмоқ; **~ на со́лнышке** офтобда мудраб қолмоқ.

ЗАДРЕ́МЫВАТЬ *несов. см.* **задрема́ть.**

ЗАДРИ́ПАННЫЙ, -ая, -ое *прост. пренебр.* эскирган, увадаси чиққан, тўзган; исқирт; **~ костю́м** тўзган костюм; **~ вид** исқирт кўриниш.

ЗАДРОЖА́/ТЬ *сов.* қалтирай (титрай) бошламоқ, титраб кетмоқ, титроқ босмоқ; зирилламоқ, дирилламоқ; зириллаб (дириллаб) кетмоқ; **~ть от стра́ха** қўрқувдан титраб кетмоқ (титроқ босмоқ), **~ли о́кна** ойналар зириллаб кетди.

ЗАДУБЕ́/ТЬ, -е́ет *сов. прост.* дағаллашмоқ, ғадир-будур (ғарғаша) бўлиб (қотиб) қолмоқ; **плащ ~л** плаш дағаллашиб қолибди; **~вшие ру́ки** дағаллашиб қолган қўллар; **па́льцы ~ли от хо́лода** совуқдан бармоқлар қотиб қолди.

ЗАДУВА́ТЬ I *несов. см.* **заду́ть I.**

ЗАДУВА́ТЬ II *несов. см.* **заду́ть II.**

ЗАДУВА́/ТЬ III, -а́ет *несов.* 1 *см.* **заду́ть III**; 2 эсиб кирмоқ, урмоқ; **в трубу́ ~ло, и пе́чка дыми́ла** мўрига шамол уриб, печка тутади; 3 *что* эсиб киритмоқ, учириб олиб кирмоқ, урмоқ; **в откры́тое окно́ ~ет бры́зги дождя́** очиқ деразадан хонага ёмғир зарралари урмоқда.

ЗАДУВКА *ж тех.* ишга тушириш; **~до́мны** домнани ишга тушириш.

ЗАДУ́МАТЬ *сов.* (*несов.* **заду́мывать**) 1 *что* и с *неопр.* ўйламоқ, ният (аҳд, қасд) қилмоқ; **~ пое́здку в го́ры** тоққа чиқишни ўйлаб қўймоқ; тоққа чиқишга аҳд қилмоқ; **лексико́графы заду́мали созда́ть но́вый слова́рь** луғатчилар янги луғат тузишни ўйлаб қўйдилар; 2 *что* кўнгилда (дилда) ўйламоқ; **~ число́** дилда бирор сонни ўйламоқ.

ЗАДУМА́ТЬСЯ *сов.* (*несов.* **заду́мываться**) 1 *над чем, о чём* ўйлаб (ўйланиб) қолмоқ, ўйланмоқ, фикр қилмоқ; хаёл сурмоқ; **~ над вопро́сом** масала устида ўйланиб қолмоқ; **~ о бу́дущем** келажак тўғрисида хаёл сурмоқ; 2 *с неопр. разг.* андиша (мулоҳаза) қилмоқ; ўйланиб (иккиланиб) қолмоқ, андишага бормоқ; **не заду́мался сказа́ть пра́вду в глаза́** андиша қилиб ўтирмасдан (иккиланмасдан) ҳақиқатни юзига айтиб солди, рўй-рост ҳақиқатини айтди.

ЗАДУ́МКА *ж прост.* ўй, ният; **была́ у него́ ~ на ро́дину съе́здить** унинг ватанига бориб келиш нияти бор эди.

ЗАДУ́МЧИВО *нареч.* ўйланиб, хаёлга чўмиб, хаёл суриб, хаёлчан.

ЗАДУ́МЧИВОСТЬ *ж* ўйчанлик, хаёлчанлик; серфикрлик; **впасть в ~** ўйланиб (хаёл суриб) қолмоқ, хаёлга чўммоқ.

ЗАДУ́МЧИВЫЙ, -ая, -ое ўйчан, хаёлчан; серфикр; **~ вид** ўйчан кўриниш.

ЗАДУ́МЫВАТЬ *несов. см.* **заду́мать.**

ЗАДУ́МЫВАТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **заду́маться**; 2 *прост. уст.* эс-ҳушини йўқотгандек хомуш бўлмоқ, хомуш бўлиб қолмоқ; 3 *страд. от* **заду́мывать.**

ЗАДУРИ́ТЬ I *сов. прост.* аҳмоқлик (тантиқлик) қилмоқ, аҳмоқлик (тентаклик) қила бошламоқ, аҳмоқлиги тутмоқ.

ЗАДУРИ́ТЬ II *разг.* тихирлик (терслик) қилмоқ, тихирлиги (терслиги) тутмоқ; ✦ **~ го́лову** *кому* лақиллатмоқ, бошини айлантирмоқ.

ЗАДУ́ТЬ I *сов.* (*несов.* **задува́ть I**) ўчирмоқ, пуфлаб ўчириб қўймоқ; **~ све́чку** шамни пуфлаб ўчирмоқ.

ЗАДУ́ТЬ II *сов.* (*несов.* **задува́ть II**) *тех.* ёқмоқ, ишга туширмоқ; **~ до́мну** домнани ишга туширмоқ.

ЗАДУ́/ТЬ III *сов.* эсмоқ, эса бошламоқ; **~л холо́дный ве́тер** совуқ шамол эса бошлади.

ЗАДУШЕ́ВНОСТЬ *ж* самимийлик, дилкашлик, самимият.

ЗАДУШЕ́ВНЫ/Й, -ая, -ое; -вен, -вна 1 самимий, дилкаш, жонажон; **~й друг** жонажон дўст; **~й разгово́р** самимий суҳбат; 2 юракдаги, кўнгилдаги, дилдаги, эзгу; **~е та́йны** юракдаги сирлар, юрак сирлари.

ЗАДУШ/И́ТЬ *сов.* (*несов.* **души́ть I**) 1 *кого* бўғиб ўлдирмоқ; **Убью́! Свои́ми рука́ми ~у́** (А. Островский) Ўлдираман! Ўз қўлларим билан бўғиб ўлдираман; 2 *кого* заҳарлаб (ис тегиб) ўлдирмоқ, ҳалок қилмоқ; **Все они́ [рабо́тницы]... бы́ли заду́шены смоли́стым ды́мом...** (М. Горький) Уларнинг ҳаммаси (ишчи-хизматчи хотинлар)... смола тутунидан заҳарланиб ўлди; 3 *перен. что* бўғмоқ, сўндирмоқ, босмоқ, бостирмоқ; **~и́ть тоску́** ғам-гуссани босмоқ (ёзиб юбормоқ); **тще́тны попы́тки ~и́ть революцио́нный проце́сс совреме́нности** ҳозирги революцион процессни бўғишга уриниш бекорчи ҳаракатдир; 4 *перен. что разг.* босиб кетмоқ, босиб кетиб сикиб қўймоқ, хароб қилмоқ; **сорня́к ~и́л помидо́рную расса́ду** ёввойи ўт помидор кўчатларини босиб хароб қилибди.

ЗАДУШИ́ТЬСЯ *сов.* (*несов.* **души́ться**) *прост.* ўзини-ўзи бўғиб (осиб) ўлдирмоқ, ўзини-ўзи осиб қўймоқ.

ЗАДЫМИ́/ТЬ I, -млю́, -ми́шь *сов. что разг.* тутун бостирмоқ, тутун бостириб қорайтирмоқ (қорайтириб юбормоқ); **~ть потоло́к** шипни тутун бостириб қорайтирмоқ (қорайтириб юбормоқ).

ЗАДЫМИ́/ТЬ II, -млю́, -ми́шь *сов.* тутаб кетмоқ, буруқсай бошламоқ; **печь ~ла** печка тутаб кетди.

ЗАДЫМИ́/ТЬСЯ I, -и́тся *сов. разг. то же, что* **закопти́ться; потоло́к ~лся** тутун босиб шип қорайиб кетди (кетибди).

ЗАДЫМИ́/ТЬСЯ II, -и́тся *сов.* тутаб кетмоқ, тутай бошламоқ, буруқсимоқ; **костры́ ~лись** гулханлар тутаб кетди.

ЗАДЫХА́/ТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **задохну́ться**; 2 *перен.* сиқилмоқ, эзилмоқ, сиқилиб (эзилиб) кетмоқ, диққати ошмоқ, юраги зиқ бўлиб кетмоқ; **Крестья́нство ~лось под и́гом ра́бства** (Салтыков-Щедрин) Деҳқонлар қуллик асорати остида эзилиб ётар эдилар.

ЗАДЫША/ТЬ *сов.* нафас ола бошламоқ; **больно́й тяжело́ ~л** бемор оғир нафас ола бошлади.

ЗАЕДА́ТЬ *несов. см.* **зае́сть.**

ЗАЕДА́ТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **зае́сться**; 2 *страд. от* **заеда́ть** 1—5.

ЗАЕ́ЗД *м* 1 тушиб (йўлакай кириб) ўтиш; 2 *спорт.* бир паккага бориб келиш, бир айланиб келиш, заезд (пойгада); **пе́рвый ~** биринчи заезд; 3 келиш (санаторий, лагерь ва ш. к. да галдаги дам олувчилар группасининг келиши); **сего́дня в санато́рий очередно́й ~** бугун санаторийга галдаги дам олувчилар келади; **в дни ~а подаётся авто́бус** келиш кунларида автобус берилади; 4 бир қатнов, бир бориб келиш (автобус, машина ҳақида).

ЗАЕ́ЗДИТЬ, -зжу, -здишь *сов. кого-что* 1 миниб (минавериб) чарчатмоқ, минавериб толиқтирмоқ; даққи қилиб қўймоқ; **~ лошаде́й** отларни минавериб чарчатмоқ; 2 *перен. прост.* жонига тегмоқ, жондан тўйдирмоқ, тинкасини қуритмоқ.

ЗАЕ́ЗДОМ *нареч. прост. то же, что* **прое́здом; побыва́ть ~ у дру́га де́тства** йўлакай болаликдаги дўстиникига кириб (тушиб) ўтмоқ.

ЗАЕЗЖА́ТЬ *несов. см.* **зае́хать.**

ЗАЕЗЖЕ́НН/ЫЙ, -ая, -ое 1 *прич. от* **зае́здить**; 2 *в знач. прил.* минилавериб чарчаган (даққи бўлиб қолган); **~ая ло́шадь** минилавериб чарчаган от; 3 *перен. в знач. прил. разг.* кўп чайналган, сийқаси чиққан; **~ая остро́та** кўп чайналган аския.

ЗАЕЗЖ/И́Й, -ая, -ее *разг.* 1 йўл-йўлакай (ёки тасодифан, қисқа муддатга) келиб қолган, йўлакай келиб кетувчи; бирор ердан (четдан) келган; **~ие актёры** йўлакай (ёки бирор ердан) келган актёрлар; **~ему городско́му челове́ку всё у нас ка́жется интере́сным** шаҳардан келиб қолган одамга бизлаги ҳамма нарса қизиқ туюлади; 2 *в знач. сущ.* **~и́й** *м* чет киши, четдан келган киши, йўловчи, меҳмон, қўноқ; ✦ **~и́й двор** (или **дом**) карвонсарой, работ, қўнаржой, бекат (революциядан илгари).

ЗАЕ́М *ж, р.* **за́йма** 1 қарз (олиш, бериш); олинган (ёки берилган) қарз пул; **вне́шний ~** ташқи қарз (**чет давлатга**

www.ziyouz.com kutubxonasi

берилган ёки чет давлатдан олинган қарз); [Пьер], **под предло́гом за́йма, дава́л ему́ де́ньги** (Л. Толстой) Пьер гўё қарз деб, унга пул бериб турар эди; 2 заём; **государственный ~** давлат заёми.

ЗАЁМН/ЫЙ, -ая, -ое *спец.* 1 қарзга оид, қарз олганлик (берганлик) ҳақидаги: қарз...; **~ое письмо́** қарз ҳужжати, қарз олганлик (ёки берганлик) ҳақидаги ҳужжат; тилхат; **~ый проце́нт** қарз ҳисобидан олинадиган (ёки тўланадиган) процент; 2 қарзга олинган; қарз...; **~ые де́ньги** қарз пул.

ЗАЁМЩИК *м* қарз олувчи (олган) киши, қарздор.

ЗАЕ́/СТЬ, -е́м, -е́шь *сов.* 1 (*несов.* **заеда́ть**) ғажиб (тишлаб) ташламоқ, бўғиб ўлдирмоқ; **волк ~л овцу́** бўри қўйни ғажиб ташлабди (кетибди); 2 (*несов.* **заеда́ть**) чақиб (еб) ташламоқ; **комары́ ~ли** чивин ҳамма ёғимни чақиб ташлади; 3 (*несов.* **заеда́ть**) *перен. кого* жонидан безор қилмоқ, жонидан тўйдирмоқ, қонига ташна қилмоқ; адо қилмоқ; **~сть придирками** куткилайвериб (ёки бўлар-бўлмасга айбситиб) жонидан тўйдирмоқ; **тоска́ его́ ~ла** ғам-ғусса уни адо қилди, ғам-ғуссадан у ич-этини еб қўйди; 4 (*несов.* **заеда́ть**) *что чем* устидан емоқ, бостириқ қилмоқ; **~сть лека́рство сла́дким** дори устидан ширинлик емоқ; 5 (*несов.* **заеда́ть**) *безл. разг.* ғажимоқ, қисиб (тишлашиб) қолмоқ, қисиб (тишлашиб) юриши оғирлашмоқ; **колесо́ ~ло** ғилдирак тишлашиб қолиб оғир айланяпти; 6 *безл. прост.* алам қилмоқ, қаттиқ тегмоқ, оғир botмоқ; **~ло, что мы вас оста́вили?** сизни ташлаб кетганимиз алам қилибди-да?; **а-а! Заело́!** ҳа-ҳа! Алам қилдими?

ЗАЕ́СТЬСЯ, -е́мся, -е́шься *сов.* (*несов.* **заеда́ться**) *прост.* овқат танлайдиган (ёки овқатга инжиқ) бўлиб қолмоқ, тўйиб қолмоқ.

ЗАЕ́ХАТЬ, -е́ду, -е́дешь *сов.* (*несов.* **заезжа́ть**) 1 кириб ўтмоқ, кетатуриб (йўлакай) қўниб (ёки тушиб) ўтмоқ; **~ к знако́мым** йўлакай танишларинikiга кириб (тушиб) ўтмоқ; 2 *за кем-чем* олиб келиш (кетиш) учун бормоқ; **~ за детьми́** болаларни олиб келиш учун бормоқ; 3 айланиб келмоқ (ўтмоқ, кирмоқ), бурилмоқ; **~ сле́ва** чапдан айланиб ўтмоқ (кирмоқ); **~ во двор** ҳовлига кирмоқ; ҳовлига киритиб қўймоқ; **~ со стороны́ са́да** боғ томондан айланиб кирмоқ; **~ за дом** уйнинг орқасига ўтмоқ (бурилмоқ); 4 кириб (тушиб, бориб) қолмоқ; **~ в трясину́** ботқоқликка кириб қолмоқ; **~ далеко́** узоқ жойга бориб қолмоқ; 5 *кому во что* и *без доп. прост.* айлантириб солмоқ, урмоқ, туширмоқ; **~ кулако́м** мушт туширмоқ.

ЗАЖА́РИВАТЬ *несов.* 1 *см.* **зажа́рить**; 2 *прост.* авжига (жадалига) олмоқ (олдирмоқ); босмоқ, босиб бирор иш қилмоқ.

ЗАЖА́РИВАТЬСЯ, -ается *несов.* 1 *см.* **зажа́риться**; 2 *страд. от* **зажа́ривать** I.

ЗАЖА́РИТЬ *сов.* (*несов.* **зажа́ривать**) *кого-что* қовурмоқ; **~ цыплёнка** жўжани қовурмоқ.

ЗАЖА́РИТЬСЯ, -ится *сов.* (*несов.* **зажа́риваться**) қовурилмоқ; **мя́со хорошо́ ~лось** гўшт яхши қовурилди (қовурилибди).

ЗАЖА́/ТЬ *сов.* (*несов.* **зажима́ть**) 1 *кого-что* қисмоқ, сиқмоқ, қистирмоқ; қисиб (сиқиб, қистириб) қўймоқ; **~ть болт в тиски́** болтни исканжага қисиб (қистириб) қўймоқ; **~ть** *что-л.* **в руке́** қўлда (қўлга олиб) сиқмоқ; 2 бекитмоқ, юммоқ, ёпмоқ; ёпиб (бекитиб, юмиб) олмоқ, бекитиб қўймоқ; **~ть нос па́льцами** бурнини икки бармоғи билан (сиқиб) бекитмоқ; 3 *перен. кого-что разг.* бўғмоқ, сиқиштирмоқ, йўл бермаслик; **~ть кри́тику** танқидни бўғмоқ; **~ть инициати́ву** ташаббусни бўғмоқ; 4 *перен. что прост.* қисиб (босиб) қолмоқ; яшириб қолмоқ, яширмоқ; еб юбормоқ (кетмоқ); **~ть де́ньги** пулни яширмоқ (бекитиб қолмоқ); **~ть новосе́лье** ҳовли тўйини еб юбормоқ; ✦ **~ть рот** *кому* оғзига урмоқ, гапиришга йўл бермаслик, гапиртирмай (оғзини очирмай, овозини чиқартирмай) қўймоқ.

ЗАЖДА́ТЬСЯ *сов. кого-чего разг.* роса кутмоқ, зориқиб кутмоқ, кутиб чарчамоқ, интизор (мақтал) бўлмоқ, интизорлик билан пойламоқ; **~ письма́** хатга интизор бўлмоқ, интизорлик билан хат кутмоқ.

ЗАЖЕЛТЕ́/ТЬ, -е́ет *сов.* 1 сарғайиб кўринмоқ (кўрина бошламоқ); **вдали ~ли пшени́чные поля́** узоқдан буғдойзор сарғайиб кўрина бошлади; 2 сарғаймоқ, сарғайиб қолмоқ; сарғая бошламоқ; **ли́стья ~ли** барглар сарғая бошлади.

ЗАЖЕЛТИ́ТЬ, -лчу́, -лти́шь *сов. кого-что* сарғайтирмоқ, сарғайтириб қўймоқ, сариққа беламоқ.

ЗАЖЕ́ЧЬ, -жгу́, -жжёшь, -жгу́т; -жёг, -жгла́ *сов.* (*несов.* **зажига́ть**) 1 *что* ёқмоқ, ёндирмоқ, тутаттирмоқ, ўт олдирмоқ; **~ свечу́** шам(ни) ёқмоқ; **~ ого́нь** олов(ни) ёқмоқ; 2 *перен. кого-что* жонлантирмоқ, ғайратлантирмоқ, руҳлантирмоқ, ҳаваслантирмоқ; уйғотмоқ, ғайратга солмоқ (келтирмоқ); **~ всех энтузиа́змом** ҳаммани ғайратлантирмоқ; ҳаммани ғайратга солиб юбормоқ; **~ слу́шателей я́ркой ре́чью** ёркин нутқи билан тингловчиларни қизиқтирмоқ; **~ интере́с** қизиқиш уйғотмоқ.

ЗАЖЕ́ЧЬСЯ, -жгу́сь, -жжёшься, -жгу́тся; -жёгся, -жгла́сь *сов.* (*несов.* **зажига́ться**) 1 ёнмоқ, ёқилмоқ, ўт олмоқ; **в дома́х зажгли́сь огни́** уйларда чироқлар ёнди (ёқилди); 2 чарақлаб чиқмоқ, ёнмоқ, порламоқ; **Зажгла́сь а́лая заря́ на восто́ке** (Л. Толстой) Шарқда алвон шафақ порлади; 3 *перен.* пайдо бўлмоқ, юзага келмоқ, туғилмоқ; уйғонмоқ; 4 *перен. чем* тўлиб тошмоқ, ... билан ёнмоқ; **~ не́навистью к врагу́** душманга қарши нафрат ўти билан ёнмоқ.

ЗАЖИВА́НИЕ *с по гл.* **зажива́ть; ~ра́ны** яранинг битиши.

ЗАЖИВА́ТЬ, -а́ет *несов. см.* **зажи́ть** I.

ЗАЖИВА́ТЬСЯ *несов. см.* **зажи́ться.**

ЗАЖИВИ́ТЬ, -влю́, -ви́шь *сов.* (*несов.* **заживля́ть**) *что разг.* тузатмоқ, битказмоқ; **~ боля́чку** ярани битказмоқ.

ЗАЖИВИ́/ТЬСЯ, -и́тся *сов. разг.* тузалиб (битиб) кетмоқ; **ра́на ~лась** яра битиб кетди.

ЗАЖИВЛЕ́НИЕ *с по гл.* **заживля́ть** и **заживля́ться; ~ра́ны** яранинг битиши.

ЗАЖИВЛЯ́ТЬ *несов. см.* **заживи́ть.**

ЗАЖИВЛЯ́ТЬСЯ, -я́ется *несов.* 1 *см.* **заживи́ться**; 2 *страд. от* **заживля́ть.**

ЗАЖИВО *нареч.* тириклай(ин), тириклигича; **~ погребённый** тириклайин кўмилган.

ЗАЖИГА́ЛКА *ж, р. мн.* **-лок** 1 зажигалка; 2 *разг.* ёндирувчи бомба.

ЗАЖИГА́НИ/Е *с* 1 *по гл.* **зажига́ть; ~е фа́келов** машъалларни ёндириш; 2 *спец.* зажигание (ўт олдириш системаси, қурилмаси); **систе́ма ~я** ўт олдиргич система; **включи́ть ~е** ўт олдириш системасини ишга туширмоқ (уламоқ).

ЗАЖИГА́ТЕЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое; -лен, -льна 1 ёндирувчи, ўт олдирувчи, ёндирадиган; ёнувчи; **~ая бо́мба** ёндирувчи бомба; 2 *перен.* қизғин, оташин, жўшқин, таъсирли; оташнафас; **~ая речь** оташин нутқ.

ЗАЖИГА́ТЬ *несов. см.* **заже́чь.**

ЗАЖИГА́ТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **заже́чься**; 2 *страд. от* **зажига́ть.**

ЗАЖИЛИВА́ТЬ *несов. см.* **зажи́лить.**

ЗАЖИ́ЛИТЬ *сов.* (*несов.* **зажи́ливать**) *что прост.* эгаллаб (ўзиники қилиб) олмоқ, ўзлаштирмоқ, босиб қолмоқ, еб кетмоқ; **~ де́ньги** бировнинг пулини еб кетмоқ.

ЗАЖИ́М *м* 1 *по гл.* **зажима́ть; ~ в тиски́** исканжага олиш, исканжага олиб қисиш; **~ кри́тики** танқидни бўғиш; 2 қисқич; исканжа; **винтово́й ~** бурама (винтли) қисқич.

ЗАЖИМА́ТЬ *несов. см.* **зажа́ть.**

ЗАЖИ́МН/ЫЙ, -ая, -ое қисадиган, қисиб қўядиган, сиқувчи; **~ое устро́йство** қисиб қўядиган (сиқувчи) қурилма.

ЗАЖИ́МЩИК *м разг. неодобр.* бўғувчи, тўсувчи; **~ кри́тики** танқидни бўғувчи.

ЗАЖИ́МЩИЦА *ж см.* **зажи́мщик.**

ЗАЖИРЕ́ЛЫЙ, -ая, -ое *разг.* семириб кетган, ёғ босган, семиз, тўла.

ЗАЖИРЕ́ТЬ *сов. разг.* 1 семирмоқ, ёғ босмоқ, семириб кетмоқ; 2 *перен. прост.* бойимоқ, бойиб кетмоқ, жир битмоқ.

ЗАЖИ́ТОЧНОСТЬ *ж* бадавлатлик, бақувватлик, тўқлик, бойлик, фаровонлик; **~ колхо́за** колхознинг бадавлатлиги (бақувватлиги).

ЗАЖИ́ТОЧН/ЫЙ, -ая, -ое; -чень, -чна бадавлат, давлатманд, бақувват, тўқ, бой, фаровон; **~ый колхо́з** бадавлат (бақувват) колхоз; **~ая жизнь** фаровон ҳаёт.

ЗАЖИ́ТЬ I, **-ивёт** *сов.* (*несов.* **заживáть**) тузалмоқ, битмоқ; тузалиб (битиб) кетмоқ; **ра́на бы́стро зажила́** яра

www.ziyouz.com kutubxonasi

тез битиб кетди; **до сва́дьбы заживёт** *шутл.* ҳеч нарса қилмайди, тузалиб қолади; тўйгача тузалиб қолар, ҳечқиси йўқ.

ЗАЖИ́ТЬ II, -иву́, -ивёшь *сов.* яшай бошламоқ, яшаб кетмоқ; ~ **семе́йной жи́знью** оила қуриб яшаб кетмоқ; ~ **в но́вом посёлке** янги қишлоқда яшай бошламоқ.

ЗАЖИ́/ТЬСЯ, -иву́сь, -ивёшься *сов.* (*несов.* **заживáть-ся**) *разг.* кўп (узоқ) яшамоқ, кўпроқ туриб қолмоқ; узоқ **умр кўрмоқ**, анча яшамоқ; **Старику́ и ба́бке говори́ли пря́мо в глаза́, что они́ ~лись, что им умира́ть пора́** (Чехов) Чол ва кампирга очиқдан-очиқ кўп яшадинглар, энди нариги дунёга кетсанглар ҳам бўлади. дейишар эди.

ЗАЖМУ́РИВАТЬ *несов. см.* **зажму́рить.**

ЗАЖМУ́РИВАТЬСЯ *несов. см.* **зажму́риться.**

ЗАЖМУ́РИТЬ *сов.* (*несов.* **зажму́ривать**) *что* қисмоқ, юммоқ; ~ **глаза́** кўзларини қисмоқ.

ЗАЖМУ́РИТЬСЯ *сов.* (*несов.* **зажму́риваться**) кўзларини қисмоқ; ~ **от я́ркого све́та** ёрқин нурдан кўзларини қисмоқ.

ЗАЖУЖЖА́ТЬ *сов.* ғўнғиллай (визиллай) бошламоқ.

ЗАЖУ́ЛИВАТЬ *несов. см.* **зажу́лить.**

ЗАЖУ́ЛИТЬ *сов.* (*несов.* **зажу́ливать**) *что прост.* алдаб (ҳийла-найранг билан) олмоқ, ўзлаштирмоқ, товламоқ.

ЗАЖУРЧА́/ТЬ, -чи́т *сов.* жилдирай (шилдирай) бошламоқ; ~**ли ручьи́** жилғалар жилдирай (шилдираб оқа) бошлади.

ЗАЖУ́Х/НУТЬ, -нет; -жу́х, -ла 1 ранги айнимоқ, хира тортмоқ, хира бўлиб (хиралашиб) қолмоқ; **кра́ски на полотне́ ~ли** полотно ранги хира тортиб қолди; 2 *прост.* дағаллашмоқ; қотиб (қаттиқ бўлиб) қолмоқ; **намо́кший у́зел на кана́те затяну́лся и ~** арқоннинг намиққан тугуни тортилиб, қаттиқ (маҳкам) бўлиб қолибди.

ЗАЗВАТЬ, -зову́, -зовёшь *сов.* (*несов.* **зазыва́ть**) *кого разг.* қўярда-қўймай (зўрлаб) чақириб келмоқ, қистаб чақирмоқ, чорламоқ; ~ **в го́сти** қўярда-қўймай меҳмонга чақирмоқ.

ЗАЗВЕНЕ́/ТЬ, -ни́т *сов.* жаранглай (жиринглай) бошламоқ, жаранглаб кетмоқ; ~**л колоко́льчик** қўнғироқча жаранглай бошлади (жаранглаб кетди).

ЗАЗВОНИ́/ТЬ *сов.* қўнғироқ чала бошламоқ, занг ура бошламоқ; жиринглamoқ; жаранглаб кетмоқ; **сто́рож ~л** қоровул қўнғироқ чала бошлади; ~**л телефо́н** телефон жиринглади.

ЗАЗВУЧА́/ТЬ, -чи́т *сов.* эшитила бошламоқ, жаранглamoқ; жаранглатмоқ; ~**ли знако́мые голоса́** таниш овозлар эшитила бошлади; ~**ть шпо́рами** шпорларини жаранглатмоқ.

ЗАЗДРАВН/ЫЙ, -ая, -ое соғлигига бағишланган, соғлиқ (омонлик ва ҳ. к.) тилаб айтиладиган, соғлиги учун айтилган; ~**ая пе́сня** омонлик тилаб айтиладиган ашула; ~**ый тост** соғлиги учун қадаҳ кўтариб айтилган нутқ; ~**ый ку́бок** соғлиги учун кўтарилган қадаҳ.

ЗАЗЕВА́ТЬ *сов. разг.* эснай бошламоқ.

ЗАЗЕВА/ТЬСЯ *сов разг.* 1 *на кого-что* анқайиб қолмоқ, қараб (оғзи очилиб) қолмоқ, эси оғиб кетмоқ; ~**ться на карти́ну** расмга анқайиб қолмоқ; 2 анқовсирамоқ, анқов (бепарво) бўлмоқ, анқовлик (бепарволик) қилиб, бехабар қолмоқ (ёки олдириб қўймоқ); ~**вшийся продаве́ц** анқовсираган сотувчи.

ЗАЗЕЛЕНЕ́/ТЬ, -е́ет *сов.* 1 кўкара бошламоқ, кўкариб (униб) чиқмоқ, ям-яшил бўлмоқ; **луга́ ~ли** яйловларда ўтлар кўкара бошлади; яйловлар ям-яшил бўлди; 2 кўкариб кўрина бошламоқ; **вдали́ ~ла ро́ща** узоқда дарахтзор кўкариб кўринди.

ЗАЗЕЛЕНЕ́ТЬСЯ, -е́ется *сов. то же, что* **зазеленеть.**

ЗАЗЕЛЕНИ́ТЬ *сов. что разг.* кўкартирмоқ, кўкка бўямоқ; ~ **пла́тье о траву́** кўйлакни ўтга тегизиб кўкартирмоқ.

ЗАЗЕЛЕНИ́ТЬСЯ *сов.* кўкармоқ, кўкка бўялмоқ (беланмоқ).

ЗАЗЕМЛЕ́НИЕ *с* 1 *по гл.* **заземли́ть**; 2 ерга уланган сим; **защи́тное ~** ерга уланган ҳимоя қилувчи сим.

ЗАЗЕМЛИ́ТЬ *сов.* (*несов.* **заземля́ть**) *что спец.* ерга уламоқ; ~ **анте́нну** антеннани ерга уламоқ.

ЗАЗЕМЛЯ́ТЬ *несов. см* **заземли́ть.**

ЗАЗИМОВА́ТЬ, -му́ю, -му́ешь *сов.* қишлаб қолмоқ, қишламоқ; ~ **на Антаркти́де** Антарктидада қишламоқ.

ЗАЗИ́М/ОК, *м, р.* **-мка** *обл.* 1 **биринчи қор, қиш боши;** 2 *мн.* **~ки** дастлабки совуқлар; қора совуқ.

ЗАЗНАВА́ТЬСЯ *несов. см.* **зазна́ться.**

ЗАЗНА́ЙКА *м и ж, р. мн.* **-а́ек** *разг.* манман, гердайган, димоғи шишган, ўзига ишониб кетган, босар-тусарини билмай қолган.

ЗАЗНА́ЙСТВО *с разг.* манманлик, гердайганлик, димоғи шишганлик, ўзига ишониб кетганлик; босар-тусарини билмай қолиш.

ЗАЗНА́ТЬСЯ *сов.* (*несов.* **зазнава́ться**) *разг.* манманлик қилмоқ, гердаймоқ, димоғи шишмоқ, ўзига ишониб кетмоқ, босар-тусарини билмай қолмоқ.

ЗАЗНО́БА *ж* 1 эҳтирос, муҳаббат; 2 маъшуқа, ёр, жонона, маҳбуба.

ЗАЗНО́БИ/ТЬ, -и́т *сов. безл.* қалтирай (титрай) бошламоқ, қалтирамоқ; **меня́ ~ло** қалтирай бошладим, қалтироғим тутди.

ЗАЗОЛОТИ́/ТЬ, -очу́, -оти́шь *сов. что* тилладек (олтиндек) ярқиратмоқ, ярқиратиб юбормоқ; **со́лнце ~ло верху́шки дере́вьев** қуёш дарахтларнинг учларини тилладек ярқиратиб юборди.

ЗАЗОЛОТИ́/ТЬСЯ, -и́тся *сов.* 1 тилладек (олтиндек) ярқирай бошламоқ, тилла (олтин) тусига кирмоқ; **хлеба́ ~лись** буғдойлар олтиндек ярқирай бошлади; 2 тилладек (олтиндек) туси билан ажралиб турмоқ, ярқираб кўринмоқ; **вдали́ ~лись купола́ церкве́й** йироқда черковларнинг гумбазлари олтиндек ярқираб кўринди.

ЗАЗО́Р I *м спец.* зазор (машина қисмлари ўртасидаги жуда тор тирқиш).

ЗАЗО́Р II *м уст.* и *прост.* уятли иш, уят, ор, иснод.

ЗАЗО́РНО *прост.* 1 *нареч.* уятли, шармандаларча; 2 *безл., в знач. сказ. кому* уят бўлади, уят; **тебе́ не ~ сиде́ть сложа́ ру́ки?** қўл қовуштириб ўтириш сенга уят эмасми!; қўл қовуштириб ўтиришга уялмайсанми?

ЗАЗО́РН/ЫЙ, -ая, -ое; -рен, -рна *прост.* уятли, уят ҳисобланадиган, айбга буюриладиган, уят; ~**ый посту́пок** уят иш; **в э́том нет ничего́ ~ого** бунинг ҳеч уяти (уяладиган жойи) йўқ.

ЗАЗРЕ́НИ/Е *с:* **без ~я (со́вести)** *разг.* уялмасдан, сира (ҳеч) таб тортмай, уялмай-нетмай.

ЗАЗРИ́/ТЬ: со́весть ~т (или **~ла**) *разг.* виждон йўл қўймади.

ЗАЗУБРЕННЫЙ I, -ая, -ое 1 *прич. от* **зазубри́ть** I; 2 *в знач. прил.* ўтмасланган, дами (тиғи) қайтган, арра бўлиб қолган, кертик-мертик; ~ **топо́р** ўтмасланган (арра бўлиб қолган) болта.

ЗАЗУБРЕННЫЙ II, -ая, -ое 1 *прич. от* **зазубри́ть** II; 2 *в знач. прил.* маъносига тушунмай ёдлаб олинган; ~ **отве́т** маъносига тушунмай ёдлаб олинган жавоб.

ЗАЗУБРИВА́ТЬ I *несов. см.* **зазубри́ть** I.

ЗАЗУБРИВА́ТЬ II *несов. см.* **зазубри́ть** II.

ЗАЗУБРИВА́ТЬСЯ I *несов.* 1 *см.* **зазубри́ться** I; 2 *страд. от* **зазу́бривать** I.

ЗАЗУБРИВА́ТЬСЯ II *несов.* 1 *см.* **зазу́бриться** II; 2 *страд. от* **зазу́бривать** II.

ЗАЗУБРИ́Н/А *ж* кертик, мертик; **нож с ~ами** кертик пичоқ.

ЗАЗУБРИ́ТЬ I и **ЗАЗУ́БРИТЬ** *сов.* (*несов.* **зазу́бривать** I) *что* ўтмас (мертик-сертик, арра) қилиб қўймоқ, тиғини (дамини) қайтариб қўймоқ; ~ **топо́р** болтани ўтмас (арра) қилиб қўймоқ.

ЗАЗУБРИ́ТЬ II *сов.* (*несов.* **зазу́бривать** II) *что разг.* маъносига тушунмай ёдламоқ (ёдлаб олмоқ).

ЗАЗУБРИ́ТЬСЯ I, -и́тся и **ЗАЗУ́БРИТЬСЯ, -ится** *сов.* (*несов.* **зазу́бриваться** I) ўтмасланмоқ, дами қайтмоқ, арра (кертик-сертик) бўлиб қолмоқ; **нож ~лся** пичоқ арра бўлиб қолди; пичоқнинг дами қайтиб қолди.

ЗАЗУБРИ́ТЬСЯ II *сов. разг.* кўп (вақт, узоқ) ёдламоқ; ёдлаверib мияси говлаб кетмоқ.

ЗАЗЫВА́ТЬ *несов. см.* **зазва́ть.**

ЗАЗЫВН/О́Й, -а́я, -о́е и **ЗАЗЫВНЫЙ, -ая, -ое** *прост.* чорловчи, чақирувчи, таклиф қилувчи; ~**ые кри́ки** чақирувчи (чорловчи) қичқириқлар.

ЗАЙГРАНН/ЫЙ, -ая, -ое 1 *прич. от* **заигра́ть** II; 2 *в знач. прил.* ўйналавериб (чалинавериб, қўйилавериб) эскир-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ган (ишдан чиққан); ~ая пласти́нка чалинавериб эскирган пластинка; 3 *в знач. прил.* ўйналавериб (чалинавериб, айтилавериб) жонга теккан, сийқаси чиққан; ~ая пье́са қўйилавериб сийқаси чиққан пьеса; ~ая роль ўйналавериб жонга теккан роль.

ЗАИГРА́ТЬ I *сов.* ўйнай (ижро эта, чала) бошламоқ.

ЗАИГРАТЬ II *сов. (несов.* **заи́грывать** I) *что* 1 ўйнайвериб эскиртмоқ (увадасини чиқармоқ); ~ ка́рты картани ўйнайвериб эскиртмоқ; 2 *что* ўйнайвериб (чалаверіб, айтавериб, ижро этаверіб) кўнглига (жонига) тегизмоқ, сийқасини чиқармоқ; ~ пье́су пьесани қўяверіб сийқасини чиқармоқ; ~ мело́дию куйни айтаверіб жонга тегизіб қўймоқ.

ЗАИГРА́/ТЬСЯ *сов. (несов.* **заи́грываться**) ўйинга берилиб (қизиқиб) кетмоқ; де́ти ~лись болалар ўйинга берилиб кетишди.

ЗАИГРЫВАТЬ I *несов. см.* **заигра́ть** II.

ЗАИГРЫВАТЬ II *несов. разг. с кем* 1 ҳазил (ҳазилкашлик) қилмоқ; ўйнашмоқ, тегишмоқ, ноз-карашма қилмоқ; 2 *перен.* хушомадгўйлик (лаганбардорлик, тилёғламалик) қилмоқ.

ЗАИГРЫВАТЬСЯ *несов. см.* **заигра́ться.**

ЗАИЗВЕСТКОВА́ТЬ, -ку́ю, -ку́ешь *сов. что с.-х.* оҳакламоқ, оҳак солмоқ; ~ по́чву ерни оҳакламоқ; ерга оҳак солмоқ.

ЗАЙКА *м и ж* дудуқ, соқов.

ЗАЙКА́НИ/Е *с* 1 *по гл.* **заика́ться**; 2 дудуқлик, соқовлик; **страда́ть ~ем** дудуқ бўлмоқ; **он страда́ет ~ем** у дудуқ.

ЗАЙКА/ТЬСЯ *несов.* 1 дудуқланмоқ, дудуқланиб (тутилиб) гапирмоқ; 2 *см.* **заикну́ться** 2; **он и не ~лся о пое́здке** у сафар ҳақида чурқ этмади ҳам (оғиз ҳам очмади).

ЗАИКНУ́ТЬСЯ *сов. разг.* 1 гапда тутилиб (дудуқланиб) қолмоқ; 2 *(несов.* **заика́ться** 2) *о ком-чём разг.* оғиз очмоқ, чурқ этмоқ, гинг демоқ; **не вздума́й и ~ об э́том** бу тўғрида оғиз оча (чурқ эта) кўрма.

ЗАИЛЕ́НИЕ *с* лойқа босиш, лойқа билан тўлиб қолиш; **~ кана́ла** каналнинг лойқа билан тўлиб қолиши.

ЗАЙЛИВАТЬСЯ *несов. см.* **зайли́ться.**

ЗАЙЛИ́ТЬСЯ, -ится *сов. (несов.* **зайли́ваться**) лойқа босмоқ, лойқа билан тўлиб қолмоқ.

ЗАИМЕ́ТЬ *сов. что* орттирмоқ, топмоқ, эга бўлмоқ; ~ де́ньги пулдор бўлиб қолмоқ; ~ друзе́й дўстлар орттирмоқ.

ЗАЙМКА *ж, р. мн.* **-мок** заимка (ўтмишда: биринчи бўлиб кўчиб келиб бўш жойларни эгаллаш ва шу тартибда ўзлаштирилган ер-жой, Сибирда: ҳозирги баъзи кичик қишлоқлар номи).

ЗАИМОДА́ВЕЦ *м, р.* **-вца** *уст.* қарз берувчи (берган) киши.

ЗАИМООБРА́ЗНО *нареч.* қарзга, қарз тариқасида; **получи́ть де́ньги ~** қарзга пул олмоқ.

ЗАИМООБРА́ЗНЫЙ, -ая, -ое қарзга берилган; қарзга олинган; қарз тариқасидаги.

ЗАЙМСТВОВАНИ/Е *с* 1 *по гл.* **займствовать**; 2 ўзлаштирма (бошқа тилдан олинган, ўзлаштирилган сўз, ибора); **иноязы́чные ~я** бошқа тилдан олинган ўзлаштирмалар.

ЗАЙМСТВОВА/ТЬ *сов.* и *несов. что* олмоқ, ўзлаштирмоқ; **сло́во, ~нное из ру́сского языка́** рус тилидан ўзлаштирилган сўз; **~ть идею́ из наро́дных ска́зок** гояни халқ эртакларидан олмоқ.

ЗАЙМСТВОВАТЬСЯ *сов.* и *несов.* 1 *чем прост.* олмоқ, сўраб олмоқ, ўзлаштирмоқ; ~ от сосе́да қўшнидан сўраб олмоқ; ~ папиро́сами папирос сўраб олмоқ; 2 *страд. от* **займствовать.**

ЗАИНДЕВЕ́ВШИ/Й, -ая, -ее 1 *прич. от* **заиндеве́ть**; 2 *в знач. прил.* қиров босган (тушган); қиров боғлаган; **~е дере́вья** қиров боғлаган дарахтлар; **~й отко́с овра́га** жарликнинг қиров тушган ён бағри.

ЗАИНДЕВЕ́ЛЫ/Й, -ая, -ое қиров босган (тушган); **~е кусты́** қиров босган буталар.

ЗАИНДЕВЕ́/ТЬ *сов. (несов.* **индеве́ть**) қиров босмоқ, қиров боғламоқ, қиров тушмоқ; **дере́вья ~ли** дарахтлар қиров боғлади (боғлабди).

ЗАИНТЕРЕСОВАННОСТЬ *ж* 1 манфаатдорлик; манфаат; **материа́льная ~** моддий манфаатдорлик; **~ в зна-ко́мстве** танишишдан манфаатдорлик; **~ в де́ле** ишдан манфаатдорлик; 2 қизиқиш, қизиққанлик; **прояви́ть ~** қизиқиш билдирмоқ, қизиққанлигини кўрсатмоқ.

ЗАИНТЕРЕСОВАНН/ЫЙ, -ая, -ое 1 *прич. от* **заинтересова́ть**; 2 *в знач. прил.* қизиққан, қизиқиб (ишқи тушиб, ҳавас қилиб) қолган; 3 *в знач. прил.* манфаатдор бўлган; **~ое лицо́** манфаатдор шахс.

ЗАИНТЕРЕСОВА́ТЬ, -су́ю, -су́ешь *сов. (несов.* **заинтересо́вывать**) *кого-что чем* 1 қизиқтирмоқ, қизиқиш (ҳавас) уйғотмоқ; қизиқтириб қўймоқ, диққатини жалб қилмоқ; **~ слу́шателей расска́зом** хикоя билан тингловчиларни қизиқтирмоқ; 2 манфаатдор қилмоқ, рағбатлантирмоқ.

ЗАИНТЕРЕСОВА́ТЬСЯ, -су́юсь, -су́ешься *сов. (несов.* **заинтересо́вываться**) *кем-чем* қизиқмоқ, қизиқиб (ишқи тушиб, ҳаваси келиб) қолмоқ; ~ кни́гой китоб билан қизиқмоқ, китобга қизиқиб қолмоқ.

ЗАИНТЕРЕСО́ВЫВАТЬ *несов. см.* **заинтересова́ть.**

ЗАИНТЕРЕСО́ВЫВАТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **заинтересова́ться**; 2 *страд. от* **заинтересо́вывать.**

ЗАИНТРИГОВА/ТЬ, -гу́ю, -гу́ешь *сов. (несов.* **заинтрига́вывать**) *кого-что* қизиқсинтирмоқ, қизиқиш уйғотмоқ, қизиқтириб қўймоқ, қизиқтириб хаёлини банд қилмоқ; **ва́ше сообще́ние ~ло меня́** сиз айтган нарса мени қизиқтириб (хаёлимни банд қилиб) қўйди; фикр-хаёлим сиз айтган нарсада бўлиб қолди.

ЗАИНТРИГО́ВЫВАТЬ *несов. см.* **заинтригова́ть.**

ЗАЙНЬКА *м, р. мн.* **-нек** *ласк. от* **за́яц** қуёнча.

ЗАИСКИВАНИЕ *с по гл.* **заи́скивать**; **вы́смеять ~ пе́ред нача́льством** катталар олдида ялтоқланишидан кулмоқ.

ЗАИСКИВА/ТЬ *несов. перед кем* хушомадгўйлик (лаганбардорлик) қилмоқ; мулозамат қилмоқ, ялтоқланмоқ.

ЗАИСКИВАЮЩ/ИЙ, -ая, -ее 1 *прич. от* **заи́скивать**; 2 *в знач. прил.* хушомадли, тилёғлама, хушомад (лаганбардорлик) билан қилинган; хушомадгўйона; **~ая улы́бка** хушомадли табассум, хушомад билан илжайиш.

ЗАЙКА *м, р. мн.* **за́ек** *ласк. от* **за́яц** қуёнча.

ЗАЙМОВЫ/Й, -ая, -ое қарзга, заёмга оид; қарз...; заём...; **~е опера́ции** қарз (олиш-бериш) операциялари, заём операциялари.

ЗАЙМОДЕ́РЖАТЕЛЬ *м* заёмдор (заём облигациялари эгаси).

ЗАЙТИ́, -йду́, -йдёшь; зашёл, зашла́ *сов. (несов.* **заходи́ть** I) 1 *(многокр.* **заха́живать**) кирмоқ, йўлакай кириб чиқмоқ (ўтмоқ); **~ в магази́н** магазинга кириб ўтмоқ; **~ к прия́телю** ошнасиникига кириб ўтмоқ; 2 *за кем-чем* олиш (олиб кетиш) учун келмоқ (бормоқ, кирмоқ); **~ за кни́гой** китоб олиш учун кирмоқ; **~ за детьми́** болаларни олиб кетиш учун бормоқ; 3 *во что* кирмоқ; **во двор зашёл незнако́мец** ҳовлига нотаниш бир киши кирди; 4 айланиб кирмоқ, айланиб ўтмоқ; **~ спра́ва** ўнгдан айланиб ўтмоқ; **~ в тыл врага́** душманнинг орқасига ўтмоқ (ўтиб олмоқ, ўтиб кетмоқ); 5 узоққа (узоқ жойга) бориб қолмоқ; узоқ ичкарига кириб кетмоқ; **~ далеко́ в лес** ўрмоннинг ичкарисига кириб кетмоқ; **~ по го́рло в во́ду** сувга ниққача ботмоқ; 6 *перен.* белгили маррадан, меъёрдан ошиб кетмоқ, чўзилмоқ; **бесе́да зашла́ за по́лночь** суҳбат чўзилиб, ярим кечадан ошиб кетди; **спор зашёл сли́шком далеко́** тортишув жуда чуқурлашди (чуқурлашиб кетди); 7 кирмоқ, бурилмоқ, бекинмоқ; орқасига ўтмоқ; **~ за у́гол** муюлишга бурилмоқ; **со́лнце зашло́ за ту́чи** қуёш булут орасига бекинди (кириб кетди); 8 ботмоқ; **со́лнце зашло́** қуёш ботди; **ме́сяц зашёл** ой botdi; 9 бошланмоқ, очилмоқ; **разгово́р зашёл о строе́нии а́тома** атомнинг тузилиши тўғрисида гап (суҳбат) бошланди; ✦ **~ в тупи́к** *см* **тупи́к**; **ум за ра́зум зашёл** *см.* **ум.**

ЗАЙТИ́СЬ, -йдётся; зашёлся, зашла́сь *сов. (несов.* **заходи́ться**) *разг.* 1 ҳушидан кетмоқ, беҳуш бўлиб қолмоқ; 2 увушмоқ, увушиб қолмоқ; қотиб қолмоқ; **ру́ки зашли́сь от хо́лода** совуқдан қўллар увушиб қолди; **се́рдце зашло́сь от стра́ха** қўрққандан юраги чиқиб кетди; **ребёнок зашёлся от пла́ча** бола йиғлаб қотиб қолди.

ЗАЙЧА́ТИНА *ж* қуён гўшти.

ЗАЙЧИК *м* 1 *уменьш.-ласк. от* **за́яц** қуёнча; 2 шайтон; **пуска́ть зе́ркальцем ~ов на сте́ну** кўзгу билан деворга шайтон туширмоқ.

ЗАЙЧИ́ХА *ж* урғочи қуён.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЗАЙЧОНОК *м, р.* **-нка, *мн.* -ча́та** қуён боласи.

ЗАКАБАЛЕ́НИЕ *с по гл.* **закабали́ть и закабали́ться.**

ЗАКАБАЛИ́ТЬ *сов.* (*несов.* **закабаля́ть**) *кого-что* қул қилмоқ, қулликка (асоратга) солмоқ, ўзига қарам қилиб олмоқ.

ЗАКАБАЛИ́ТЬСЯ *сов.* (*несов.* **закабаля́ться**) қулликка (асоратга) тушмоқ, қулликка (асоратга) тушиб қолмоқ; ўз эркини қўлдан бермоқ.

ЗАКАБАЛЯ́ТЬ *несов. см.* **закабали́ть.**

ЗАКАБАЛЯ́ТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **закабали́ться**; 2 *страд. от* **закабаля́ть.**

ЗАКАВЫКА *ж то же, что* **закавы́чка.**

ЗАКАВЫ́Ч/КА *ж разг.* 1 кутилмаган монелик, тўсқинлик, ишкаллик; **в э́том вся ~ка** ҳамма ишкаллик мана шунда; 2 муғомбирлик, қувлик, хийла-найранг; жумбоқли имо-ишора; **говори́ть без ~ек** имо-ишорасиз гапирмоқ; чизма-чизиқ, ажи-бужи хат, белги.

ЗАКА́ДРОВЫЙ, -ая, -ое кино кадр орқасидан эшитиладиган (айтиладиган), кадрга кирмайдиган, кадрдан ташқаридаги; **~ го́лос** кадрдан ташқаридаги овоз.

ЗАКАДЫ́ЧНЫЙ: ~ друг (или **прия́тель**) *разг.* қадрдон (қалин, жонажон) дўст қалин оғайни.

ЗАКА́З *м* 1 заказ, буюртма; **сде́лать ~** заказ қилмоқ, заказ бермоқ; **принима́ть ~** заказ олмоқ, заказ қабул қилмоқ; **по ~у** 1) заказ бўйича; 2) топшириқ бўйича, илтимос билан; **на ~** заказ (буюртма) билан, заказга; **о́бувь на ~** заказга тайёрланадиган оёқ кийим; **стол ~ов** буюртмалар столи; 2 *разг.* буюртма қилинган нарса; **ваш ~ гото́в** сизнинг буюртмангиз тайёр.

ЗАКА́ЗАТЬ I, -ажу́, -а́жешь *сов.* (*несов.* **зака́зывать** I) 1 *что* буюрмоқ, буюртмоқ, буюртирмоқ, заказ бермоқ, буюртма қилмоқ; **~ пальто́ в ателье́** ателеда пальто заказ қилмоқ; **~ обе́д** обед буюрмоқ; 2 *кому* буюрмоқ, айтмоқ.

ЗАКА́ЗАТЬ II, -ажу́, -а́жешь *сов.* (*несов.* **зака́зывать** II) *что* и *с неопр. уст.* тақиқламоқ, ман этмоқ, тақиқ (манну) қилмоқ; **все пути́ ему́ зака́заны** унга ҳамма йўллар тақиқланган (берк); **говори́ть никому́ не зака́жешь** ҳеч кимга гапиришни ман этиб бўлмайди; ҳеч кимнинг оғзини боғлаб бўлмайди.

ЗАКА́ЗНИК *м* заказник (ов қилиш вақтинча тақиқланган ёки ўсимликлар алоҳида қўриқ остида бўлган қўриқхона).

ЗАКА́ЗНО/Й I, -а́я, -о́е 1 заказ (буюртма) қилинган, буюртирилган; буюртирма; **~й костю́м** буюртирма костюм; 2 заказной; **~е письмо́** заказной хат.

ЗАКА́ЗНОЙ II, -а́я, -о́е *спец.* қўриқланадиган, дахлсиз; **~ лес** дахлсиз ўрмон.

ЗАКА́ЗЧИК *м* заказчи, буюртмачи.

ЗАКА́ЗЧИЦА *ж* заказчи (буюртмачи) аёл.

ЗАКА́ЗЫВАТЬ I *несов. см.* **заказа́ть I.**

ЗАКА́ЗЫВАТЬ II *несов. см.* **заказа́ть II.**

ЗАКАИВА́ТЬСЯ *несов. см.* **зака́яться.**

ЗАКА́Л *м* 1 *по гл.* **закали́ть; ~ ста́ли** пўлатни тоблаш, пўлатнинг тоби; 2 *перен. то же, что* **зака́лка** 2; **челове́к кре́пкого ~а** тобланган (чиниккан) одам.

ЗАКАЛЁННОСТЬ *ж* чиниққанлик, тобланганлик, пишиқлик, матонат; **~ в борьбе́ с тру́дностями** қийинчиликлар билан курашда чиниққанлик.

ЗАКАЛЁННЫЙ, -ая, -ое 1 *прич. от* **закали́ть**; 2 *в знач. прил.* чиниққан, тобланган; матонатли, пишиқ; **~ революционе́р** чиниққан революционер.

ЗАКА́ЛИВАНИЕ *с по гл.* **зака́ливать; ~ ста́ли** пўлатни тоблаш; **~ организма** организмни чиниқтириш.

ЗАКА́ЛИВАТЬ *несов. см* **закали́ть.**

ЗАКА́ЛИВАТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **закали́ться**; 2 *страд. от* **зака́ливать.**

ЗАКАЛИ́ТЬ *сов.* (*несов.* **зака́ливать и закаля́ть**) 1 *что* тобламоқ; **~ сталь** пўлатни тобламоқ; 2 *перен.* чиниқтирмоқ, тобламоқ, мустаҳкамламоқ, чидамли (матонатли) қилмоқ; **~ здоро́вье** соғлиқни мустаҳкамламоқ; **~ себя́ в борьбе́ с тру́дностями** ўзини қийинчиликлар билан курашда тобламоқ.

ЗАКА́ЛИ/ТЬСЯ *сов.* (*несов.* **зака́ливаться и закаля́ться**) 1 тобланмоқ; **сталь хорошо́ ~лась** пўлат яхши тобланди; 2 *перен.* чиниқмоқ, тобланмоқ; мустаҳкамланмоқ; чидамли (матонатли) бўлмоқ; **здоро́вье ~лось** соғлик мустаҳкамланди; **а́рмия ~лась в боя́х** армия жангларда чиниқди.

ЗАКА́ЛКА *ж* 1 *по гл.* **закали́ть**; 2 *перен.* чиниқтириш, тоблаш, мустаҳкамлаш, чиниқиш, тобланиш; **иде́йно-полити́ческая ~ молодёжи** ёшларни ғоявий-сиёсий жиҳатдан чиниқтириш.

ЗАКА́ЛОЧНЫ/Й, -ая, -ое *тех.* тоблайдиган, тоблаш...; **~й бак** тоблаш баки; **~е пе́чи** тоблаш печлари.

ЗАКА́ЛЫВАТЬ *несов. см.* **заколо́ть** I.

ЗАКА́ЛЫВАТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **заколо́ться**; 2 *страд. от* **зака́лывать.**

ЗАКАЛЯ́ТЬ *несов. см.* **закали́ть.**

ЗАКАЛЯ́ТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **закали́ться**; 2 *страд. от* **закаля́ть.**

ЗАКАМЕНЕ́ЛЫ/Й, -ая, -ое *разг.* 1 қотиб (тош бўлиб) қолган, тошдек қотиб қолган. 2 *перен.* қотиб қолган, ҳаракатсиз, ўлик; **~е фо́рмы** қотиб қолган формалар.

ЗАКАМЕНЕ́ТЬ *сов разг.* 1 қотиб (тош бўлиб) қолмоқ, тошдек қотиб қолмоқ; 2 *перен.* лоқайд, бағритош бўлиб қолмоқ, дийдаси қотмоқ.

ЗАКА́НЧИВАТЬ *несов. см.* **зако́нчить.**

ЗАКА́НЧИВА/ТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **зако́нчиться**; 2 *чем* тугамоқ, тугалланмоқ; тамом бўлмоқ; хотималанмоқ; бориб тақалмоқ; **стихи́ ~ются призы́вом** шеър чақириқ билан тугалланади; **у́лица ~лась пло́щадью** кўча майдонга бориб тақаларди; 3 *страд. от* **зака́нчивать.**

ЗАКА́ПАТЬ I *сов.* (*несов.* **зака́пывать** I) *кого-что* томизмоқ, томдирмоқ, томчилатмоқ, томизиб доғ-дуғ қилмоқ; **~ стол черни́лами** столга сиёҳ томизиб доғ-дуғ қилмоқ; 2 *что разг.* томизмоқ; **~ лека́рство в нос** бурунга дори томизмоқ.

ЗАКА́ПА/ТЬ II *сов.* чак-чак тома бошламоқ, томчилай (томчилаб ёға) бошламоқ; **с крыш ~ло** томлардан чак-чак тома бошлади (чакка ўтиб кетди).

ЗАКА́ПАТЬСЯ *сов.* сачратиб (томизиб) ҳамма ёғи доғ-дуғ бўлмоқ; **~ черни́лами** сиёҳ сачратиб (томизиб) ҳамма ёғи доғ-дуғ бўлмоқ.

ЗАКАПРИЗНИЧА́ТЬ *сов. разг.* инжиқлик қила бошламоқ, хархашаси тутмоқ.

ЗАКА́ПЫВАТЬ I *несов. см.* **зака́пать** I.

ЗАКА́ПЫВАТЬ II *несов. см.* **закопа́ть.**

ЗАКА́ПЫВАТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **закопа́ться**; 2 *страд. от* **зака́пывать** II.

ЗАКАРМЛИВА́ТЬ *несов. см.* **закорми́ть.**

ЗАКА́Т *м* 1 ботиш; **~ со́лнца** қуёшнинг ботиши; 2 оқшом, кунботар (пайт); **верну́ться на ~е** кунботарда қайтмоқ; 3 шафақ; 4 *перен.* охир, завол, инқироз;— **Жизнь твоя́ бли́зится к ~у** *(Чехов)* Умрингнинг заволи яқинлашмоқда (кунинг битиб қолди); 5 *уст.* ғарб; мағриб; ✦ **на ~е дней** қариган пайтда (чоғда), кексайганда, ёш қайтганда.

ЗАКАТА́ТЬ *сов.* (*несов.* **зака́тывать** I) 1 *кого-что во что* ичига олиб ўрамоқ, ўраб қўймоқ; **~ в пологе́нце** сочиққа ўрамоқ; **~ в те́сто** хамирга ўрамоқ (масалан, қиймани); 2 *что* катокламоқ, каток бостириб шибаламоқ, текислаб қўймоқ; **~я́му** чуқурни каток бостириб текисламоқ; 3 *что разг.* шимармоқ, қайирмоқ; **~ рукава́** енгларни шимармоқ (қайириб қўймоқ); 4 *что разг.* ўраб қўймоқ; **~ бинт** бинтни ўраб қўймоқ; 5 *кого прост.* жўнатмоқ, бадарға қилмоқ; **~ под аре́ст** қамоққа жўнатмоқ (олмоқ); 6 *что разг.* бураб маҳкамламоқ (ёпмоқ); **~ ба́нки с компо́том** компот банкаларини бураб маҳкамламоқ; 7 *кого разг.* учириб (олиб юриб) чарчамоқ; **~ ребёнка на каруше́ли** болани каруселда учириб чарчатмоқ.

ЗАЛЕПИ́ТЬ, -еплю́, -е́пишь *сов.* (*несов.* **залепля́ть**) 1 *что чем* чапламоқ, чаплаб қўймоқ, шувоқ (суваб) бекитмоқ; ёпиштириб қўймоқ; **~ дыру́ гли́ной** тешикка лой чаплаб қўймоқ; **~ цара́пину пла́стырем** тирналган жойга пластирь ёпиштирмоқ; 2 *что чем разг.* елимлаб ёпиштирмоқ, ёпиштириб ташламоқ; **~ сте́ну объявле́ниями** деворга эълонлар ёпиштириб ташламоқ; 3 ёпишиб (қоплаб) олмоқ; **всё лицо́ залепи́ло сне́гом** юзимни қор қоплаб олди; 4 *что кому прост.* туширмоқ, урмоқ; **~ пощёчину наха́лу** безбетга шапалоқ туширмоқ; 5 *что кому прост.* бермоқ, қўймоқ; **~ дво́йку по матема́тике** математикадан икки қўймоқ; **~ вы́говор** виговор бермоқ.

ЗАЛЕПЛЯ́ТЬ *несов. см.* **залепи́ть.**

ЗАЛЕСИ́ТЬ, -си́шь *сов. что спец.* ўрмон(зор) барпо қилмоқ, дарахтзорга айлантирмоқ; **~ степь** чўлда ўрмон барпо қилмоқ, дарахт экиб, чўлни ўрмонга айлантирмоқ.

ЗАЛЕ́СЬЕ *с* ўрмон ортидаги (ёки ичидаги) жой.

ЗАЛЁТ *м по гл.* **залете́ть.**

ЗАЛЕТА́ТЬ *несов. см.* **залете́ть** I.

ЗАЛЕТЕ́ТЬ, -лечу́, -лети́шь *сов.* (*несов.* **залета́ть**) 1 учиб кирмоқ; **ба́бочка залете́ла в окно́** деразадан капалак учиб кирди; 2 қўниб ўтмоқ, тушмоқ; **~ за бензи́ном на попу́тный аэродро́м** бензин олиш учун йўлдаги аэродромга қўниб ўтмоқ; 3 парвоз қилиб баланд кўтарилмоқ, учиб узоқ кетмоқ, узоққа бориб қолмоқ; **~ на большу́ю высоту́** жуда баландга парвоз қилмоқ, жуда баланд кўтарилмоқ; **самолёт залете́л за ту́чу** самолёт булутлардан баланд кўтарилди.

ЗАЛЁТН/ЫЙ, -ая, -ое 1 бошқа ердан учиб келган; тасодифан учиб келиб қолган; **~ые пти́цы** бошқа ердан учиб келган қушлар; 2 *перен. разг.* тасодифан келиб қолган, бошқа ердан келган; меҳмон; **~ый цирка́ч** бошқа ердан келган (меҳмон) циркчи; 3 *нар.-поэт.* учқур, бодпой; **~ая тро́йка** учқур уч отли арава; 4 *обл.* ўткир, баланд; **~ый го́лос** ўткир (баланд) овоз.

ЗАЛЕ́ЧИВАТЬ *несов. см.* **залечи́ть.**

ЗАЛЕ́ЧИВАТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **залечи́ться; 2** *страд. от* **зале́чивать.**

ЗАЛЕЧИ́ТЬ, -ечу́, -е́чишь *сов.* (*несов.* **зале́чивать**) 1 *что* даволаб тузатмоқ; **~ ра́ну** ярани даволаб тузатмоқ; **~ ра́ны, нанесённые войно́й** урушдан етган жароҳатларни ўрнига келтирмоқ; 2 *кого разг.* даволайвериб ҳолдан кетказмоқ; билар-билмас даволаб баттар қилмоқ; **~ больно́го** беморни даволайвериб ҳолдан кетказмоқ.

ЗАЛЕЧИ́/ТЬСЯ, -ечу́сь, -е́чишься *сов.* (*несов.* **зале́чиваться**) тузалмоқ, битмоқ; **ра́на ~лась** яра битиб кетди (тузалди); 2 *разг.* даволанавериб (билар-билмас даволаниб) баттар бўлмоқ (касални зўрайтирмоқ).

ЗАЛЕ́/ЧЬ, -ля́гу, -ля́жешь; -ёг, -егла́ *сов.* 1 чўзилиб (узаниб) ётмоқ, ясланмоқ, ётиб олмоқ; ётиб узоқ уйқуга кетмоқ; **~чь спать часа́ на́ два** бир икки соат ухлаб олиш учун ётмоқ; **~чь в берло́гу** инда уйқуга кетмоқ; 2 (*несов.* **залега́ть**) писиб (бекиниб) ётмоқ; **~чь в заса́ду** пистирмада биқиниб (писиб) ётмоқ; **~чь в око́пы** окопларда бекиниб ётмоқ; 3 (*несов.* **залега́ть**) *геол.* жойлашмоқ, ўрнашмоқ; **руда́ ~гла́ на небольшо́й глубине́** руда юза жойлашган; 4 (*несов.* **залега́ть**) ҳосил бўлмоқ, тушмоқ; **на лбу ~гла́ глубо́кая скла́дка** пешанада чуқур ажин ҳосил бўлди, пешанага чуқур ажин тушди.

ЗАЛИ́В *м* кўрфаз, қўлтиқ; **Ри́жский ~** Рига кўрфази.

ЗАЛИВА/ТЬ *несов.* 1 *см.* **зали́ть; 2** *прост.* кўп ичмоқ (ичкиликни); 3 *прост.* лоф қилмоқ (урмоқ); ёлғон гапирмоқ; **не ~й!** лоф қилаверма!, ёлғон гапираверма!.

ЗАЛИВА́ТЬСЯ I *несов.* 1 *см.* **зали́ться** I; 2 *страд. от* **залива́ть** I.

ЗАЛИВА́ТЬСЯ II *несов. см.* **зали́ться** II.

ЗАЛИ́ВКА *ж* 1 *по гл.* **зали́ть** 6, 7; **~ подши́пников** подшипникларга баббит қуйиш; **~ галóш** калиш ямаш.

ЗАЛИВН/ОЙ I, -а́я, -о́е 1 сув босадиган (тошадиган); **~о́й луг** сув босадиган ўтлоқ; 2 сардакли, сардак солинган; **~ая ры́ба** устига сардак солинган балиқ; 3 *в знач. сущ.* **~ое** *с* устига сардак солинган овқат.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЗАЛИВН/ОЙ II, -а́я, -о́е жарангли, жарангдор, ёқимли товланадиган; **~ы́е тре́ли соловья́** булбулнинг ёқимли (товланадиган) хониши.

ЗАЛИ́ВОЧН/ЫЙ, -ая, -ое эритиб қуядиган (ёки ямайдиган); қуйиш...; ямаш...; **~ая фо́рма** қуйиш формаси (қолипи).

ЗАЛИ́ЗАННЫ/Й, -ая, -ое 1 *прич. от* **зализа́ть**; 2 *в знач. прил. разг.* сип-силлиқ; силлиқ қилиб (оро бериб) тараллган; **~е во́лосы** оро бериб тараллган сочлар; 3 *перен. в знач. прил.* ортиқ пардозланган, пардозлайвериб (ишлайвериб) сийқалаштириб юборилган.

ЗАЛИЗА́ТЬ, -ижу́, -и́жешь *сов.* (*несов.* **зали́зывать**) *что* 1 яламоқ; ялаб қўймоқ, тозаламоқ; 2 *разг.* сип-силлиқ қилмоқ; силлиқлаб (оро бериб) тарамоқ; **~ во́лосы** сочларни сип-силлиқ қилиб тарамоқ; 3 *перен.* ортиқ пардоз бермоқ; пардозлайвериб (ишлайвериб) сийқалаштириб юбормоқ; **~ изде́лие** буюмга ортиқ пардоз бермоқ.

ЗАЛИ́ЗЫВАТЬ *несов. см.* **зализа́ть.**

ЗАЛИПА́ТЬ *несов. см.* **залипну́ть.**

ЗАЛИ́ПНУТЬ, -ну, -нешь; -и́п, -и́пла *сов.* (*несов.* **залипа́ть**) *разг.* ҳамма ёғига бирор нарса ёпишмоқ (ёпишиб қолмоқ).

ЗАЛИ́/ТЬ, -лью́, -льёшь *сов.* (*несов.* **залива́ть**) *что* 1 кўмиб кетмоқ, босмоқ; **река́ ~ла́ луга́** дарё тошиб ўтлоқни сув босди; 2 *перен.* тўлдирмоқ, ёғдирмоқ, кўммоқ, босмоқ; югурмоқ; **~ть све́том ко́мнату** уйни нурга тўлдирмоқ; **лицо́ его́ ~л румя́нец** унинг юзига қизил югурди; унинг юзи қип-қизариб кетди; **толпа́ ~ла́ пло́щадь** оломон майдонни тўлдириб юборди; 3 *перен.* қамрамоқ, босмоқ, қамраб олмоқ; **бе́шенство ~ло его́ грудь** унинг юрагини ғазаб ўти қамраб олди; 4 тўкмоқ, тўкиб юбормоқ, тўкиб ифлос қилмоқ, беламоқ; **~ть ска́терть вино́м** дастурхонга вино тўкиб юбормоқ; 5 сув сепиб ўчирмоқ; **~ть ого́нь** сув сепиб оловни ўчирмоқ; 6 эритиб қуймоқ; ямамоқ; ёпиштирмоқ; бўямоқ; **~ть свинцо́м** кўрғошин эритиб қуймоқ; **~ть гало́ши** калиш(ни) ямамоқ; 7 тўлдирмоқ; тўлғазмоқ, қуймоқ; **~ть горю́чее в бак** бакка ёнилғи қуймоқ; ✦ **~ го́ре** (или **тоску́** и т. п.) аламни ичкиликдан олмоқ, ичкилик билан ғам-ғуссани босмоқ (тарқатмоқ).

ЗАЛИ́/ТЬСЯ I, -лью́сь, -льёшься *сов.* (*несов.* **залива́ться** I) 1 ботмоқ; сув босмоқ, сув остида қолмоқ; **Равни́на кро́вью ~ла́сь** (Пушкин) Текислик қонга ботди; 2 ўзига (юзига ва ҳ. к.) бирор нарса сепмоқ, ўз устидан бирор нарса қуймоқ; 3 қуюлмоқ, тушмоқ; **в воро́нки ~ла́сь вода́** воронкага сув қуйилди.

ЗАЛИ́ТЬСЯ II, -лью́сь, -льёшься *сов.* (*несов.* **залива́ться** II) 1 сайрай (куйлай) бошламоқ; 2 *чем* қотиб-қотиб кулмоқ (ёки йиғламоқ), ҳўнграб йиғлаб юбормоқ; ✦ **~ соловьём** *ирон.* оғиз кўпиртирмоқ, булбули гўё бўлиб сайраб (гапириб) кетмоқ.

ЗАЛИХВА́ТСК/ИЙ, -ая, -ое *разг.* 1 авбош, бебош; 2 шўх, мардона; **~ая пе́сня** шўх ашула; **~ий вид** мардона кўриниш.

ЗАЛИХОРА́ДИТЬ, -ит *сов.* 1 иситма чиқара (иситмалай) бошламоқ, қалтирай бошламоқ; 2 *кого* қалтирата бошламоқ.

ЗАЛО́Г I *м* 1 гаровга қўйиш; гаровга қўйилган (ёки олинган) нарса, гаров, баримта; **~ иму́щества** мол-мулкни гаровга қўйиш; **отдава́ть в ~** гаровга қўймоқ; **взять де́ньги под ~** гаров қўйиб пул олмоқ; 2 *перен. чего* гаров, кафолат, далил; **~ дру́жбы** дўстлик(нинг) далили; **~ успе́ха** муваффақият гарови.

ЗАЛО́Г II *м грам.* нисбат; **страда́тельный ~** мажҳул нисбат; **действи́тельный ~** аниқлик нисбати.

ЗАЛО́ГОВ/ЫЙ I, -ая, -ое гаровга оид; гаров...; **~ая квита́нция** гаров квитанцияси; **~ое свиде́тельство** гаров гувоҳномаси.

ЗАЛО́ГОВЫ/Й II, -ая, -ое *грам.* феъл нисбатларига оид; **~е отноше́ния в глаго́ле** феъл нисбатлари ўртасидаги боғланиш.

ЗАЛОГОДА́ТЕЛЬ *м* гаровга қўювчи (қўйган) киши.

ЗАЛОГОДА́ТЕЛЬНИЦА *ж см.* **залогода́тель.**

ЗАЛОГОДЕРЖА́ТЕЛЬ *м* гаровга пул берувчи (берган) киши.

ЗАЛОЖЕ́НИ/Е *с спец.* жойлашма, жойланиш; **ша́хта глубо́кого ~я** чуқур жойлашмадаги шахта (чуқур шахта).

ЗАЛОЖИ́ТЬ, -ожу́, -о́жишь *сов.* (*несов.* **закла́дывать**) 1 *что* қўймоқ, солмоқ, тиқмоқ; ташламоқ; **~ поду́шку за́ спину** орқага ёстиқ қўймоқ; **~ ру́ки за́ спину** қўлни орқага қилиб юрмоқ; 2 *что разг.* тиқиштирмоқ; тиқиштириб қўймоқ; **~** *куда-л.* **кни́гу** китобни қаёққадир тиқиштириб қўймоқ; 3 *что* қўймоқ, ўрнатмоқ; **~ ми́ну** мина қўймоқ; 4 *что* тўлдириб (ёйиб, уйиб) ташламоқ, қалаштирмоқ; **~ стол кни́гами** стол устига китобларни қалаштирмоқ; 5 *что* бекитмоқ, тўсмоқ; **~ отве́рстие кирпичо́м** тешикни ғишт билан (ғишт тиқиб) бекитмоқ; 6 *что* солмоқ, қурмоқ; пойдевор қўймоқ, асос солмоқ; **~ дом** уй қурмоқ; уйга пойдевор қўймоқ; 7 *перен.* тагида (аслида, қонида) бор бўлмоқ; туғилишдан мавжуд бўлмоқ; **в ребёнке зало́жено до́брое нача́ло** болада туғилишидан яхшилик нишонаси бўлади; 8 *что спец.* сақлаш (асраш) учун олиб (босиб) қўймоқ; **~ ты́сячу тонн карто́феля на́ зиму** қишга (асраш учун) минг тонна картошка босиб қўймоқ; 9 *кого-что* қўшмоқ; **~ коля́ску** фойтунга от қўшмоқ; **~ тро́йку** уч отли аравани қўшмоқ; 10 *что* белги қўймоқ, хатчўп солмоқ; **~ ну́жное ме́сто в кни́ге закла́дкой** китобнинг керакли жойига хатчўп солиб қўймоқ; 11 *что* гаровга қўймоқ; **~ часы́** соатни гаровга қўймоқ; 12 *что безл. разг.* битмоқ, битиб қолмоқ; **нос заложи́ло** бурним битиб қолди; ✦ **~ осно́ву (или фунда́мент)** *чего* асос солмоқ; негизини, пойдеворини қурмоқ; **~ за га́лстук** *см.* **га́лстук.**

ЗАЛО́ЖНИК *м* гаров тариқасида ушланган (қамаб қўйилган) киши.

ЗАЛО́ЖНИЦА *м см.* **зало́жник.**

ЗАЛОМА́ТЬ *сов. что обл* эгиб синдирмоқ.

ЗАЛОМИ́ТЬ I *сов* (*несов.* **зала́мывать**) *что* 1 букмоқ, эгмоқ; букиб (эгиб) синдирмоқ; **~ ве́тку** шохни эгиб синдирмоқ; 2 қайирмоқ, орқасига қайирмоқ; **~ ру́ки** қўлни орқасига қайирмоқ; 3 *разг.* нархни ошириб юбормоқ, кўп (қиммат) сўрамоқ, ортиқ баҳо қўймоқ; **~ несусве́тную це́ну** ҳаддан ташқари ортиқ баҳо қўймоқ, жуда қиммат сўрамоқ; ✦ **~ ша́пку** шапкани чаккага қўйиб (ёки орқага суриб) киймоқ.

ЗАЛОМИ́ТЬ II, -о́мит *сов. безл.* сирқирай (зирқирай) бошламоқ, оғриққа кирмоқ.

ЗАЛОСНИ́ТЬ *сов. что* яғирини чиқармоқ, эскиртиб ялтиратиб юбормоқ.

ЗАЛОСНИ/ТЬСЯ, -и́тся *сов.* яғири чиқмоқ, эскириб ялтираб кетмоқ; **рукава́ ~лись** енгларнинг яғири чиқиб кетди (кетибди); **ме́бель ~лась** мебелнинг яғири (тақири) чиқиб кетибди.

ЗАЛОЩИ́ТЬ *сов.* (*несов.* **зала́щивать**) *что спец.* пардозлаб (ёки кудунглаб) ялтиратмоқ, жило бермоқ.

ЗАЛП *м* залп, бараварига ўқ отиш (узиш); **дать ~ по врагу́** душманга бир неча қуролдан бараварига ўт очмоқ.

ЗАЛПОВЫЙ, -ая, -ое бараварига (залп билан) отилган; **~ ого́нь** бараварига (залп билан) отилган ўқ.

ЗАЛПОМ *нареч.* 1 залп билан, бараварига; **вы́стрелить ~** залп билан (бараварига) ўқ отмоқ; 2 *перен. разг.* бир ўтиришда (симиришда ва ҳ. к.), тўхтамай, дам (нафас) олмасдан; **прочита́ть ~** бир ўтиришда ўқиб чиқмоқ; **вы́пить ~** дам (нафас) олмасдан (бир симиришда) ичиб юбормоқ; **сказа́ть всё ~** ҳаммасини бир нафасда гапириб ташламоқ.

ЗАЛУЖА́ТЬ *несов. см.* **залужи́ть.**

ЗАЛУЖЕ́НИЕ *с спец.* ўтлоқ барпо қилиш, ўтлоққа айлантириш; **~ заболо́ченных земе́ль** ботқоқ ерларни ўтлоққа айлантириш.

ЗАЛУЖИ́ТЬ *сов.* (*несов.* **залужа́ть**) *что спец.* ўтлоқ барпо қилмоқ; ўтлоққа айлантирмоқ; **~ боло́то** ботқоқликни ўтлоққа айлантирмоқ.

ЗАЛУ́ПИТЬ, -уплю́, -у́пишь *сов.* (*несов.* **залупля́ть**) *что прост.* и *обл.* кўчирмоқ, шилмоқ, сидирмоқ; кўчириб (шилиб, сидириб) олмоқ; **~ ко́жу на па́льце** бармоқнинг терисини сидириб олмоқ (шилиб туширмоқ).

ЗАЛУПИ/ТЬСЯ, -у́пится *сов.* (*несов.* **залупля́ться**) *прост.* кўчмоқ, сидирмоқ, шилинмоқ, кўчиб (сидирилиб, шилиниб) кетмоқ (тушмоқ); **кра́ска ~лась бу́ёқ кўчиб кетди.**

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЗАЛУПЛЯ́ТЬ *несов. см.* **залупи́ть.**

ЗАЛУПЛЯ́ТЬСЯ, -я́ется *несов.* 1 *см.* **залупи́ться;** 2 *страд. от* **залупля́ть.**

ЗАЛУЧА́ТЬ *несов. см.* **залучи́ть.**

ЗАЛУЧИ́ТЬ *сов.* (*несов.* **залуча́ть**) *кого-что разг.* қизиқтириб чақирмоқ, тортмоқ, оғдирмоқ.

ЗАЛЫСИ́НА *ж* бошнинг соч тўкилган икки чаккаси.

ЗА́ЛЬНЫЙ, -ая, -ое залга оид; зал...; ~**е о́кна** зал деразалари.

ЗАЛЮБОВА́ТЬСЯ, -бу́юсь, -бу́ешься *сов. кем-чем* завқланиб (суқланиб, лаззатланиб) қараб қолмоқ, мафтун (маҳлиё) бўлиб қарамоқ.

ЗАЛЯ́ПАТЬ *сов.* (*несов.* **заля́пывать**) *что прост.* беламоқ, булғамоқ, ифлос қилмоқ; ~ **ру́ки черни́лами** қўлларни сиёҳга беламоқ, қўлларини сиёҳ қилмоқ.

ЗАМ *м разг. то же, что* **замести́тель.**

ЗАМА́ЗАТЬ, -а́жу, -а́жешь *сов.* (*несов.* **замА́зывать**) *что* 1 устидан бўямоқ, устидан бўяб (ёки чаплаб) бекитиб юбормоқ; устидан бўёқ бермоқ; ~ **на́дпись** ёзувни (устидан) бўяб ташламоқ; 2 ёпиштирмоқ, ёпиштириб (ёки чаплаб, суркаб) бекитмоқ; замазкаламоқ; сувамоқ, суваб ташламоқ; ~ **о́кна на́ зиму** қишга деразаларнинг тирқишларини замазкаламоқ; 3 *перен. разг.* хаспўшламоқ, андаваламоқ, бекитмоқ, ниқобламоқ, яширмоқ; ~ **недоста́тки в рабо́те** ишдаги камчиликларни хаспўшламоқ, (андавалаб юбормоқ); 4 бирор нарса теккизмоқ, теккизиб булғамоқ, ифлос қилмоқ; **фа́ртук замазан солидо́лом** фартукка солидол тегибди, фартук солидол бўлиб кетибди; ✦ ~ **глаза́** *кому прост.* кўзини бўямоқ; ~ **рот** *кому прост.* оғзини мойламоқ.

ЗАМА́ЗАТЬСЯ, -а́жусь, -а́жешься *сов.* бирор нарса тегиб булғанмоқ, ифлос бўлмоқ; ~ **кра́ской** ҳамма ёғига бўёқ теккизмоқ, ҳамма ёғи бўёқ бўлмоқ.

ЗАМА́ЗКА *ж, р. мн.* **-зок** 1 *по гл.* **замА́зать** 2; 2 замазка (тешик-ёриқларни, тирқишларни бекитиш учун ишлатиладиган ёпишқоқ қоришма).

ЗАМА́ЗЫВАТЬ *несов. см.* **замА́зать.**

ЗАМА́ЗЫВАТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **замА́заться;** 2 *страд. от* **замА́зывать.**

ЗАМАЛЕ́ВАТЬ, -ле́ю, -ле́ешь *сов.* (*несов.* **замалёвывать**) 1 *что разг.* бўямоқ, бўяб чиқмоқ, бўяб ташламоқ; 2 *иск.* биринчи бўёқ (таг, фон) бермоқ; ~ **холст** холстга биринчи бўёқ (таг, фон) бермоқ.

ЗАМАЛЁВЫВАТЬ *несов. см.* **замалева́ть.**

ЗАМА́ЛИВАНИЕ *с по гл.* **замА́ливать;** ~ **грехо́в** гуноҳларидан тавба қилиб худога сиғиниш, истиғфор келтириш.

ЗАМА́ЛИВАТЬ *несов. см.* **замоли́ть.**

ЗАМА́ЛЧИВАТЬ *несов. см.* **замолча́ть** II.

ЗАМА́НИВАТЬ *несов. см.* **замани́ть.**

ЗАМАНИ́ТЬ *сов.* (*несов.* **замА́нивать**) қизиқтириб ўзига тортмоқ, жазб қилмоқ, алдаб (авраб) қўлга туширмоқ, илинтирмоқ; ~ **неприя́теля в лову́шку** душманни тузоққа илинтирмоқ; ✦ **калачо́м не замА́нишь** *см.* **кала́ч.**

ЗАМА́НЧИВ/ЫЙ, -ая, -ое қизиқтирадиган, жазб этадиган, ўзига тортадиган, ҳавасни келтирадиган, жозибадор; ~**ое предложе́ние** қизиқтирадиган таклиф.

ЗАМАРА́ННЫЙ, -ая, -ое 1 *прич. от* **замара́ть;** 2 *в знач. прил.* кирланган, булғанган, кирга беланган, ифлос; ~**ая руба́шка** кирланган кўйлак; 3 *перен. в знач. прил.* доғ тушган, ёмон отли (бадном) бўлган, булғанган; ~**ая репута́ция** доғ тушган ном.

ЗАМАРА́ТЬ *сов. кого-что* 1 кир (ифлос) қилмоқ, кир тегизмоқ, булғамоқ; ~ **по́дол** этакларини булғамоқ; 2 *перен.* доғ туширмоқ, ёмон отли (бадном) қилмоқ, булғамоқ; **Если ты ведёшь свой дела́ пра́вильно..., и никто́ тебя́ не мо́жет** ~ (А. Островский) Агар сен тўғри иш тутсанг, ...ҳеч ким сени ёмон отли қила олмайди.

ЗАМАРА́/ТЬСЯ *сов.* 1 кир (ифлос) бўлмоқ, булғанмоқ; **бря́ки** ~**лись** шим кир (ифлос) бўлибди; 2 *перен.* ўзига (ўз номига) доғ туширмоқ; ўз номини булғамоқ, ёмон отли (бадном) бўлмоқ.

ЗАМАРА́ШКА *м и ж, р. мн.* **-шек** *разг.* исқирт, иркит (кўпинча болалар ҳақида).

ЗАМА́РИВАТЬ *несов. см.* **замори́ть.**

ЗАМАРИНОВА́ТЬ, -ну́ю, -ну́ешь *сов.* (*несов.* **марино-ва́ть** и **замарино́вывать**) *что* 1 маринадламоқ, маринадлаб қўймоқ, маринадга (зираворли сиркамойга) босмоқ (ўлдирмоқ); ~ **фру́кты** меваларни маринадлаб қўймоқ; 2 *перен. прост.* пайсалга (галга) солмоқ, пайсалга солиб, судрамоқ, чўзмоқ, тўхтатиб қўймоқ; ~ **ва́жный вопро́с** муҳим масалани пайсалга солмоқ.

ЗАМАРИНОВА́/ТЬСЯ, -ну́ется *сов.* (*несов.* **замарино́вываться**) маринадланмоқ, маринадда (зираворли сиркамойда) етилмоқ; **о́вощи хорошо́ ~лись** сабзавотлар яхши маринадланди.

ЗАМАРИНО́ВЫВАТЬСЯ, -ается *несов.* 1 *см.* **замарино-ва́ться;** 2 *страд. от* **замарино́вывать.**

ЗАМАСКИРО́ВАННЫЙ, -ая, -ое 1 *прич. от* **замаскирова́ть;** 2 *в знач. прил.* ниқоб кийган, юзига ниқоб тортган, маскарад кийимидаги, ниқобдор; 3 *в знач. прил.* ниқобланган, яширин; ~**е наме́рения** яширин ниятлар.

ЗАМАСКИРОВА́ТЬ, -ру́ю, -ру́ешь *сов.* (*несов.* **маскирова́ть** и **замаскиро́вывать**) 1 *кого* ниқоб (ёки маскарад кийими) кийгизмоқ; ниқоблаб бошқа тусга киритмоқ, қиёфасини ўзгартирмоқ; 2 *кого-что* маскировка қилмоқ, ниқобламоқ, паналаб қўймоқ; ~ **та́нки** танкларни маскировкаламоқ; 3 *перен. что* ниқобламоқ, яширмоқ; ~ **свои́ жела́ния** ўз ниятини яширмоқ.

ЗАМАСКИРОВА́ТЬСЯ, -ру́юсь, -ру́ешься *сов.* (*несов.* **маскирова́ться** и **замаскиро́вываться**) 1 ниқобланмоқ, юзига ниқоб тортмоқ; маскарад кийими кийиб олмоқ; 2 маскировкаланмоқ, ниқобланмоқ, паналаб (бекиниб) олмоқ.

ЗАМАСКИРО́ВЫВАТЬ *несов. см.* **замаскирова́ть.**

ЗАМАСКИРО́ВЫВАТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **замаскирова́ться;** 2 *страд. от* **замаскиро́вывать.**

ЗАМА́СЛЕННЫЙ, -ая, -ое 1 *прич. от* **замА́слить;** 2 *в знач. прил.* ёғ (мой) теккан, мой тегиб ифлос (доғ) бўлган, мой бўлиб кетган; ~**е бря́ки** мой бўлиб кетган шим.

ЗАМА́СЛИВАТЬ *несов. см.* **замА́слить.**

ЗАМА́СЛИВАТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **замА́слиться;** 2 *страд. от* **замА́сливать.**

ЗАМА́СЛИТЬ *сов.* (*несов.* **замА́сливать**) 1 *кого-что* ёғ (мой) теккизмоқ, мой тегизиб ифлос (кир, доғ-дуғ) қилмоқ; ~ **кни́гу** мой тегизиб китобни кир қилмоқ; ~ **оде́жду** ёғ тегизиб кийимни ифлос қилмоқ; 2 *что тех.* мойламоқ, мой шимдирмоқ, мойлаб қўймоқ; ~ **волокно́** толага мой шимдирмоқ; ~ **шерсть** жунга мой шимдирмоқ; 3 *перен. кого прост.* хушомад қилиб кўнгил(ни) олмоқ, ийдирмоқ, оғзини мойламоқ.

ЗАМА́СЛИ/ТЬСЯ *сов.* (*несов.* **замА́сливаться**) 1 ёғ (мой) тегиб ифлос бўлмоқ, мойга беланмоқ; 2 *перен.* ёнмоқ, чақнамоқ; **глаза́ ~лись** кўзлари чақнаб (ёниб) кетди.

ЗАМАТЕРЕ́ЛЫЙ, -ая, -ое 1 *уст.* балоғат ёшига (камолотга) етган, етилган; кўпни кўрган; 2 эски, бақувват (дарахт ҳақида); 3 эски, азалги; 4 ғирт, ашадди, уччига чиққан, ўтакетган; ~ **престу́пник** уччига чиққан жиноятчи.

ЗАМАТЕРЕ́ТЬ *сов.* 1 *уст.* балоғат ёшига (камолга) етмоқ; етилмоқ; 2 ашаддилашмоқ, ашаддилашиб кетмоқ, уччига чиқмоқ.

ЗАМАТОВА́ТЬ, -ту́ю, -ту́ешь *сов. кого-что* мот қилмоқ, мот қилиб қўймоқ; ~ **короля́** шоҳни мот қилмоқ.

ЗАМА́ТЫВАТЬ *несов. см.* **замота́ть** I.

ЗАМА́ТЫВАТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **замота́ться** I; 2 *страд. от* **зама́тывать.**

ЗАМАХ *м* ўқталиш, қўл (мушт, калтак ва ҳ. к.) кўтариш (кимсага).

ЗАМАХА́ТЬ, -ашу́, -а́шешь *сов.* силкий (силкита) бошламоқ; ~ **руко́й** қўлни силкита бошламоқ.

ЗАМА́ХИВАТЬСЯ *несов. см.* **замахну́ться.**

ЗАМАХНУ́ТЬСЯ *сов.* (*несов.* **зама́хиваться**) 1 *чем, на кого уст.* и *прост.* қўл (мушт, таёқ ва ҳ. к.) кўтармоқ, ўқталмоқ; ~ **па́лкой** кимсага таёқ кўтармоқ; 2 *перен. на что* и *с неопр.* ният (қасд, жазм) қилмоқ, қўл урмоқ, бел боғламоқ, ...моқчи бўлмоқ; ~ **на большо́е де́ло** катта ишга қўл урмоқ (бел боғламоқ).

ЗАМА́ЧИВАТЬ *несов. см.* **замочи́ть.**

ЗАМА́ЧИВАТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **замочи́ться;** 2 *страд. от* **зама́чивать.**

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЗАМАШК/А *ж, р. мн.* **-шек** *разг.* қилиқ, одат, ҳаракат, сулукат; **ба́рские ~и** тўраларга хос қилиқлар, тўраларча одатлар.

ЗАМАЩИВАТЬ *несов. см.* **замости́ть.**

ЗАМА́ЯТЬ *сов. кого прост.* роса чарчатмоқ, толиқтирмоқ, ҳолдан тойдирмоқ, тинкасини қуритмоқ.

ЗАМА́Я/ТЬСЯ *сов. прост.* роса чарчамоқ, толиқмоқ, тинкаси қуримоқ, ҳолдан тоймоқ (кетмоқ); **~лся за́ день** кун бўйи роса чарчади(м).

ЗАМА́ЯЧИ/ТЬ *сов. разг.* кўринмоқ, кўрина бошламоқ; **вдали́ ~ли телегра́фные столбы́** узоқдан телеграф ёғочлари кўрина бошлади.

ЗАМБИЕЦ *м, р.* **-и́йца** замбиялик; *см.* **замби́йцы.**

ЗАМБИЙСКИЙ, -ая, -ое Замбияга ва замбияликларга оид; Замбия...; замбиялик(лар)...

ЗАМБИЙЦЫ *мн. (ед.* **замби́ец** *м)* замбияликлар (Замбия аҳолисини ташкил этган халқлар).

ЗАМЕДЛЕ́НИ/Е *с* 1 *по гл.* **заме́длить** и **заме́длиться; ~е движе́ния** ҳаракатни секинлатиш; ҳаракатнинг секинланиши; ҳаракатнинг секинланиши; 2 *уст.* кечикиш; **без вся́кого ~я** кечиктирмай, кечикмай, дарҳол, зудлик билан.

ЗАМЕ́ДЛЕННЫЙ, -ая, -ое 1 *прич. от* **заме́длить;** 2 *в знач. прил.* секин, аста, оҳиста, секинлашган, секинлаган, паст, суст; **~ый ход по́езда** поезднинг секин юриши (секинлашган ҳаракати); **бо́мба ~ого де́йствия** белгиланган вақтда портлайдиган бомба.

ЗАМЕ́ДЛИТЬ *сов.* (*несов.* **замедля́ть**) 1 *что* секинлаштирмоқ, секинлатмоқ, сусайтирмоқ, пасайтирмоқ; **~ шаг** қадамни секинлатмоқ; 2 *что* кечиктирмоқ, чўзмоқ; кечиктириб (чўзиб, вақтидан ўтказиб) юбормоқ, пайсалга солмоқ; **~ выход кни́ги** китобнинг чиқишини кечиктирмоқ (чўзмоқ); 3 *с неопр., чем или с чем* кечикмоқ; **~ с отве́том** жавобни кечиктирмоқ (чўзмоқ); **[Евстра́т Спиридо́ныч] не заме́длил яви́ться** (Чехов) Евстрат Спиридонич кечикмай (дарҳол, зудлик билан) етиб келди.

ЗАМЕ́ДЛИ/ТЬСЯ, -ится *сов.* (*несов.* **замедля́ться**) секинлашмоқ, сусаймоқ, пасаймоқ; **движе́ние ~лось** ҳаракат секинлашди; 2 кечикмоқ, чўзилмоқ.

ЗАМЕДЛЯ́ТЬ *несов. см.* **заме́длить.**

ЗАМЕДЛЯ́ТЬСЯ, -я́ется *несов.* 1 *см.* **заме́длиться;** 2 *страд. от* **замедля́ть.**

ЗАМЕЖЕВА́ТЬ, -жу́ю, -жу́ешь *сов.* (*несов.* **замежёвывать**) чегараламоқ, чегараларини белгиламоқ, чегаралаб ўраб олмоқ.

ЗАМЕЖЁВЫВАТЬ *несов. см.* **замежева́ть.**

ЗАМЕ́ЛИВАТЬ *несов. см.* **замели́ть.**

ЗАМЕ́ЛИТЬ *сов.* (*несов.* **заме́ливать**) *что разг.* бўр суртмоқ, бўр билан оқламоқ (бўямоқ); **~ сте́ну** деворни бўр билан оқламоқ.

ЗАМЕ́ЛЬКА/ТЬ *сов.* кўрина бошламоқ, милтиллаб (милт-милт, йилт-йилт) кўринмоқ, кўзга чалинмоқ; **~ли огни́ дере́вни** қишлоқ чироқлари милтиллаб кўрина бошлади.

ЗАМЕ́Н/А *ж* 1 *по гл.* **замени́ть; ~а изно́шенных дета́лей** ейилган деталларни алмаштириш; 2 ўрнини олувчи (босувчи) кимса, нарса, бадал, эваз; **найти́** *кому-л.* **~у** кимса ўрнига одам топмоқ; **служи́ть ~ой** ўрнини олмоқ (босмоқ); ўрнига ўтмоқ.

ЗАМЕ́НИМ/ЫЙ, -ая, -ое алмаштириб (алиштириб) бўладиган, алмашинувчи; **~ая дета́ль** алмаштириб бўладиган (алмашинувчи) деталь.

ЗАМЕНИ́ТЕЛЬ *м* ўрнини босувчи (ўрнига, ўрнида ишлатиладиган) нарса; **~ ко́жи** терининг ўрнини босувчи (тери ўрнида ишлатиладиган) материал.

ЗАМЕНИ́/ТЬ, -еню́, -е́нишь *сов.* (*несов.* **заменя́ть**) *кого-что* 1 *кем-чем* алмаштирмоқ, ўзгартирмоқ, бошқаламоқ, янгиламоқ, ўрнига қўймоқ (ишлатмоқ); **~ть кран** кранни алмаштирмоқ; **~ть секретаря́** секретарни ўзгартирмоқ (янгиламоқ); **~ть мета́лл пласма́ссой** металлни пластмасса билан алмаштирмоқ; металл ўрнига пластмасса ишлатмоқ; 2 ўрнига ўтмоқ, ўрнини олмоқ; **кни́га ~ла ему́ все удово́льствия** китоб унинг учун барча хурсандчиликлар ўрнини олди; 3 ўрнини олмоқ (босмоқ); **[Сестра́] ~ла Еле́не ра́но уме́ршую мать** (Караваева) Елена учун опаси барвақт ўлиб кетган онасининг ўрнини олди (она ўрнига она бўлди).

ЗАМЕНЯ́ТЬ *несов. см.* **замени́ть.**

ЗАМЕ́Р *м спец.* ўлчаш; **~ у́ровня воды́** сув сатҳини ўлчаш.

ЗАМЕР/ЕТЬ, -мру́, -мрёшь; за́мер, -ла́ *сов. (несов.* **замира́ть**) 1 ҳаракатсиз қотмоқ, қотиб серрайиб қолмоқ, тахта (ҳайкал) бўлиб қолмоқ; **~е́ть от стра́ха** қўрққанидан (қўрқувдан) қотиб қолмоқ; 2 тўхтаб қолмоқ, шув этиб кетмоқ; **се́рдце ~ло** юраги(м) шув этиб кетди; 3 *перен.* босилмоқ, тўхтамоқ; тўхтаб қолмоқ, ўчмоқ; **зву́ки ~ли** товушлар тўхтади (ўчди); **к полу́ночи движе́ние на у́лицах ~ло** ярим тунга бориб кўчаларда ҳаракат тўхтади; **рабо́та ~ла́** иш тўхтаб қолди; 4 *перен.* сўнмоқ, ўлмоқ (ҳис-туйғу ҳақида); 5 оғзида қолмоқ; **слова́ ~ли на уста́х** гапи оғзида қолди.

ЗАМЕРЗА́НИ/Е *с* музлаш, яхлаш; совуқ уриш; ✦ **на то́чке ~я** ҳаракатсиз, бир жойда, силжимай, юришмай.

ЗАМЕРЗА́ТЬ *несов. см.* **замёрзнуть.**

ЗАМЁРЗ/НУТЬ, -ну, -нешь; -мёрз, -ла *сов. (несов.* **мёрзнуть** и **замерза́ть**) 1 музлаб (яхлаб) қолмоқ, тўнгмоқ; муз билан қопланмоқ; **~ли озёра** кўллар музлаб қолибди; **о́кна ~ли** деразалар музлаб қолди, ойналарни муз қоплади; **ру́ки ~ли** кўллар музлаб (тўнгиб) кетди; 2 совуқ урмоқ, совуқ уриб кетмоқ; **на дере́вьях ~ли по́чки** дарахт куртакларини совуқ уриб кетди (кетипти); 3 совқотиб ўлмоқ, совуқдан ҳалок бўлмоқ.

ЗАМЕ́РИВАТЬ *несов. см.* **заме́рить.**

ЗАМЕ́РИТЬ *сов.* (*несов.* **замеря́ть** и **заме́ривать**) *что спец.* ўлчамоқ; **~ давле́ние га́за** газ босимини ўлчамоқ.

ЗАМЕ́РТВО *нареч.* беҳуш, ҳушсиз, ҳушдан кетиб; ўликдай; **упа́сть ~** беҳуш бўлиб (ҳушдан кетиб) йиқилмоқ, ер тишлаб қолмоқ.

ЗАМЕРЯ́ТЬ *несов. см.* **заме́рить.**

ЗАМЕ́С *м спец.* 1 *по гл.* **замести́ть; ~ те́ста** хамир қориш; 2 қоришма; бўза; **~ для фунда́мента** фундамент қўйиладиган бўза.

ЗАМЕСИ́ТЬ, -ешу́, -е́сишь *сов.* (*несов.* **заме́шивать** I) *что* кормоқ, аралаштирмоқ; пишитмоқ; **~ те́сто** хамир кормоқ; **~ бето́н** бетон қормоқ; **~ гли́ну** лой қормоқ, лойни пишитмоқ.

ЗАМЕСИ́/ТЬСЯ, -е́сится *сов.* (*несов.* **заме́шиваться** I) қорилмоқ, аралашмоқ, пишмоқ, қоришиб (аралашиб) кетмоқ; **пыль бы́стро ~лась в грязь** чанг жуда тез лойга аралашиб кетди.

ЗАМЕСТИ́ I, **-мету́, -метёшь; -мёл, -мела́** *сов. (несов.* **замета́ть** I) 1 *что* супурмоқ; супуриб қўймоқ, супуриб тўдаламоқ (тўпламоқ); **~ сор в у́гол** ахлатни бурчакка супуриб қўймоқ; 2 *кого-что* босмоқ, кўммоқ; босиб (кўмиб) кетмоқ; **вью́га замела́ доро́ги** қор бўралаб йўлни босиб кетди; ✦ **~ след (следы)** изини (изларини) йўқотмоқ; **~ следы́ преступле́ния** жиноятнинг изини йўқотмоқ.

ЗАМЕСТИ́ II, **-мету́, -метёшь; -мёл, -мела́** *сов.* супура бошламоқ.

ЗАМЕСТИ́ТЕЛ/Ь *м* 1 ўрнини олувчи (босувчи); ўринбосар; **найти́ себе́ ~я** ўзига ўринбосар топмоқ; 2 ўринбосар, муовин, нонб *(эск.)*; **~ь дире́ктора** директор муовини.

ЗАМЕСТИ́ТЕЛЬНИЦА *ж прост. см.* **замести́тель** 1.

ЗАМЕСТИ́ТЕЛЬСТВО *с* ўринбосарлик, муовинлик.

ЗАМЕСТИ́ТЬ, -ещу́, -стишь *сов. см.* **замеща́ть** 1, 4.

ЗАМЕ́СТО *предлог с р. прост. то же, что* **вме́сто.**

ЗАМЕ́Т *м* ташлаш; **~ не́вода** тўр ташлаш.

ЗАМЕ́ТАНО *частица прост.* бўпти, майли, келишдик.

ЗАМЕТА́ТЬ I *несов. см.* **замести́** I.

ЗАМЕТА́ТЬ II *сов.* (*несов.* **замётывать**) кўкламоқ, чатмоқ, чокламоқ; наридан-бери тикиб (кўклаб) қўймоқ; **~ подо́л пла́тья** кўйлак этагини кўкламоқ.

ЗАМЕТА́ТЬ III *сов.* супура бошламоқ, супуришга тушмоқ.

ЗАМЕТА́ТЬСЯ I *сов.* ҳаракатга тушиб қолмоқ, урина (югура) бошламоқ, безовта бўлмоқ.

ЗАМЕТА́ТЬСЯ II *сов.* тоқатсизлана бошламоқ, бетоқат бўлмоқ, тўлғанмоқ, талпинмоқ, ўзини у ёқдан-бу ёққа урмоқ; **~ в отча́янии** умидсизликка тушиб ўзини у ёқдан-бу ёққа урмоқ.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЗАМЕ́ТИТЬ, -е́чу, -е́тишь *сов.* (*несов.* **замеча́ть**) 1 *кого-что* кўрмоқ, кўриб қолмоқ, кўзи тушмоқ; кўз тагига олиб қўймоқ; ~ **самолёт на горизо́нте** уфқда (ги) самолётни кўриб қолмоқ; 2 *что* сезмоқ, фаҳмламоқ, пайқамоқ; билиб (сезиб, пайқаб) қолмоқ; эътибор бермоқ; **я э́то сра́зу заме́тил** мен буни дарров сездим; ~, **что слу́шатели усте́ли** тингловчиларнинг чарчаб қолганини пайқамоқ; 3 *кого-что* таниб олмоқ; эслаб қолмоқ, ёдда тутмоқ (сақламоқ); билиб қўймоқ; ~ **вре́мя** вақтни билиб қўймоқ; ~ **путь** йўлни таниб олмоқ (эслаб қолмоқ); **заме́тьте** шуни билиб қўйингки, шуни ёдда тутингки; 4 *что* белги солмоқ (қўймоқ); белгиламоқ, белгилаб қўймоқ; 5 қайд қилмоқ; сўз қистирмоқ, айтмоқ, демоқ, таъкидламоқ; **«ве́рно»,— заме́тил он** «тўғри», деб сўз қистирди у; **сле́дует** ~, **что...** шуни айтиш керакки; 6 *кому уст.* танбеҳ бермоқ, койимоқ; норозилик билдирмоқ; ✦ **дать** ~ *уст.* тушунтириб (билдириб) қўймоқ.

ЗАМЕ́ТК/А *ж, р. мн.* **-ток** 1 белги, нишон; ~**а на де́реве** дарахтдаги белги; 2 қайд, хотира, ёзма хотира; **путевы́е** ~**и** йўл хотиралари; ~**а в блокно́те** блокнотга ёзилган хотира (қайд ва ҳ. к.); 3 мақолача, хабар; **газе́тная** ~**а** газета мақолачаси; ✦ **брать (взять) на** ~**у** *кого-что разг.* хотира учун ёзиб олмоқ; кўз тагига олиб қўймоқ.

ЗАМЕ́ТКА *ж по гл.* **заметáть** II.

ЗАМЕ́ТНО 1 *нареч.* сезиларли даражада, анча, ҳийла; **он** ~ **похуде́л** у анча озиб қолибди; 2 *безл. в знач. сказ.* кўриниб (сезилиб, билиниб) турибди, аниқ, маълум; **по всему́** ~, **что вы уста́ли** ҳамма нарсадан сизнинг чарчаганлигингиз кўриниб турибди.

ЗАМЕ́ТН/ЫЙ, -ая, -ое; -тен, -тна 1 билинадиган, кўринадиган, кўриниб (сезилиб, билиниб) турган, кўзга ташланадиган, сезиларли; ~**ый след** кўриниб (билиниб) турган из; ~**ая вне́шность** кўзга ташланадиган қиёфа; ~**ые успе́хи** сезиларли муваффақиятлар; 2 кўзга кўринган, маълум, атоқли, таниқли; ~**ый учёный** кўзга кўринган олим; **он челове́к** ~**ый** у маълум (машҳур) одам.

ЗАМЕ́ТЫВАТЬ *несов. см.* **заметáть** II.

ЗАМЕЧА́НИ/Е *с* 1 мулоҳаза, фикр; **ве́рное** ~**е** тўғри фикр (мулоҳаза); **крити́ческое** ~**е** танқидий мулоҳаза; ~**я рецензе́нта** рецензентнинг мулоҳазалари; 2 танбеҳ; койиш, насиҳат; **стро́гое** ~**е** жиддий танбеҳ; **сде́лать** ~**е** танбеҳ бермоқ.

ЗАМЕЧА́ТЕЛЬНО *нареч.* дўндириб, жуда яхши (соз), ажойиб, беназир; жуда; ~ **краси́во** жуда чиройли, беназир гўзал; ~**петь** дўндириб ашула айтмоқ; ашулани дўндирмоқ; ~ **отдохну́ть** жуда яхши дам олмоқ.

ЗАМЕЧА́ТЕЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое; -лен, -льна 1 ажойиб, жуда яхши (соз); ~**ый писа́тель** ажойиб ёзувчи; ~**ый энтузиа́зм передовико́в** илғорларнинг жуда яхши (ажойиб) ташаббуси; 2 фавқулодда, беназир; ~**ое бескоры́стие** фавқулодда беғаразлик; 3 эътиборни тортадиган, шоёни диққат; ~**ый слу́чай** шоёни диққат ҳол (воқеа, ҳодиса).

ЗАМЕЧА́ТЬ *несов. см.* **заме́тить.**

ЗАМЕЧА́/ТЬСЯ, -а́ется *несов.* 1 сезилмоқ, билинмоқ, кўринмоқ; ~**ются при́знаки утомле́ния** чарчаш аломатлари билинмоқда (кўринмоқда); 2 *страд. от* **замеча́ть.**

ЗАМЕЧТА́ТЬСЯ *сов.* хаёлга кетмоқ (чўммоқ), хаёл сурмоқ; ~ **о бу́дущем** келажак тўғрисида хаёл сурмоқ.

ЗАМЕША́ТЕЛЬСТВО *с* 1 шошиб (шошилиб, ҳовлиқиб) қолиш; **прийти́ в** ~ **от неожи́данности** кутилмаган ҳодисадан шошиб (шошилиб) қолиш; 2 саросима, саросималик, парокандалик; **внести́** ~ **в неприя́тельские ряды́** душман сафларини саросимага солмоқ.

ЗАМЕША́ТЬ I *сов.* (*несов.* **заме́шивать** II) *кого-что во что* тортмоқ, аралаштирмоқ, қотиштирмоқ, шерик қилмоқ (мас., жиноятга, ёмон ишга).

ЗАМЕША́ТЬ II *сов.* аралаштира (қора) бошламоқ.

ЗАМЕША́ТЬСЯ *сов.* (*несов.* **заме́шиваться** II) *разг.* 1 аралашиб (қўшилиб, қоришиб) кетмоқ, ўзини урмоқ; ~ **в толпе́** оломонга аралашиб кетмоқ, оломон ичига ўзини урмоқ; 2 аралашиб (қўшилиб) қолмоқ, қотишмоқ, шерик бўлмоқ; ~ **в неприя́тную исто́рию** кўнгилсиз воқеага (ишга) аралашиб қолмоқ.

ЗАМЕ́ШИВАТЬ I *несов. см.* **замеси́ть.**

ЗАМЕ́ШИВАТЬ II *несов. см.* **замеша́ть I.**

ЗАМЕ́ШИВАТЬСЯ I, -ается *несов.* 1 *см.* **замеси́ться;** 2 *страд. от* **заме́шивать** I.

ЗАМЕ́ШИВАТЬСЯ II *несов.* 1 *см.* **замеша́ться;** 2 *страд. от* **заме́шивать** II.

ЗАМЕ́ШКАТЬСЯ *сов. разг.* тутилиб (ҳаяллаб, ушланиб) қолмоқ, ивирсираб (имиллаб, айланишиб) кеч қолмоқ, кечикмоқ (ёки кечиктирмоқ); ~ **с отве́том** кечикиб жавоб бермоқ; жавобни чўзмоқ; ~ **до́ма** уйда айланишиб қолмоқ.

ЗАМЕЩА́/ТЬ *несов.* (*сов.* **замести́ть**) 1 *кого-что чем* алмаштирмоқ, ўрнига қўймоқ; ~**ть ра́неных но́вым пополне́нием** ярадорларни янги мададга келганлар билан алмаштирмоқ; 2 *кого-что* ўрнини олмоқ (босмоқ), ўрнига ўтмоқ, ишлатилмоқ; **со́боль** ~**ет куни́цу в места́х её исчезнове́ния** сувсар йўқ бўлиб кетаётган жойларда соболь унинг ўрнини олмоқда (босмоқда); **иску́сственная ко́жа** ~**ет натура́льную** табиий тери ўрнига суньий тери ишлатилмоқда; 3 *кого-что* вақтинча ўрнига ишламоқ, ўрнида (вазифасида) турмоқ; вазифасини бажармоқ; ~**ть дире́ктора** вақтинча директор вазифасини бажармоқ; 4 *что* бўш ўринга олмоқ (қўймоқ, белгиламоқ, тайинламоқ).

ЗАМЕЩЕ́НИЕ *с по гл.* **замеща́ть;** ~ **вака́нтной до́лжности** бўш лавозимни эгаллаш; бўш лавозимга одам тайинлаш.

ЗАМИНА́ТЬ *несов. см.* **замя́ть.**

ЗАМИНА́ТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **замя́ться;** 2 *страд. от* **замина́ть.**

ЗАМИНИ́РОВАТЬ *сов.* (*несов.* **мини́ровать**) *что* миналамоқ, мина (лаб) қўймоқ; ~ **ме́стность** жойни миналамоқ, бирор жойга миналар қўймоқ.

ЗАМИНК/А *ж, р. мн.* **-нок** *разг.* 1 кечикиш, тўхталиб қолиш; ишкаллик; **вы́шла** ~**а с подво́зом материа́лов** материаллар етказиб беришда бир оз кечикиш бўлди; **без** ~**и** тўхтатмасдан, кечиктирмасдан; 2 дудуқланиб (тутилиб) қолиш; **отвеча́ть без** ~**и** тутилмасдан (бурро) жавоб бермоқ.

ЗАМИРАНИЕ *с по гл.* **замира́ть;** ✦ **с** ~**м се́рдца** юрагини ҳовучлаб, изтиробда.

ЗАМИРА́/ТЬ *несов.* 1 *см.* **замере́ть;** 2 титрамоқ; пасаймоқ, сўнмоқ, (овоз ҳақида); ~**ющим го́лосом** титроқ овоз билан.

ЗАМИР/И́ТЬ *сов.* (*несов.* **замиря́ть**) *кого-что уст.* тинчлантирмоқ, бўйсундирмоқ, бостирмоқ; **— Они́, брат, давно́** ~**ены!... у них и ору́дие отобра́ли, всё!** (Н. Успенский) — Улар, оғайни, аллақачон бостирилган!... уларнинг бор-йўғи, қуроллари ҳам олиб қўйилган!

ЗАМИРИ́ТЬСЯ *сов.* (*несов.* **замиря́ться**) 1 *с кем прост. уст.* сулҳ тузмоқ, ярашмоқ; 2 тинчланмоқ, бўйсунмоқ, босилмоқ.

ЗАМИРЯ́ТЬ *несов. см.* **замири́ть.**

ЗАМИРЯ́ТЬСЯ *несов. см.* **замири́ться.**

ЗА́МКНУТ/ЫЙ, -ая, -ое 1 *прич. от* **замкну́ть;** 2 *в знач. прил.* туташган, туташ, ёпиқ, берк; ~**ая крива́я** берк эгри чизиқ; ~**ая электри́ческая цепь** туташтирилган (берк) электр занжири; 3 *в знач. прил.* ўзгалар учун ёпиқ, маҳдуд; ~**ый кружо́к** ўзгалар учун ёпиқ давра (доира); ~**ая среда́** маҳдуд (ўзгалар учун ёпиқ) муҳит; 4 *в знач. прил.* одамларга аралашмайдиган, одамови, дамдуз; ~**ый челове́к** дамдуз (ичимдагини топ) одам; одамови; ~**ый хара́ктер** дамдузлик, одамовилик; 5 *в знач. прил.* берк (оқиб чиқмайдиган); ~**ое о́зеро** берк кўл.

ЗАМКНУ́ТЬ *сов.* (*несов.* **замыка́ть**) *что* 1 *уст.* қулфламоқ, қулфлаб қўймоқ; бекитмоқ; ~ **дверь** эшикни қулфламоқ; 2 туташтирмоқ, бирлаштирмоқ, бекитмоқ, пайваста қилмоқ, уламоқ; ~ **цепь** занжирни уламоқ; ~ **свод** гумбазни бекитмоқ; 3 ўраб (қуршаб) олмоқ, ўраб турмоқ.

ЗАМКНУ́/ТЬСЯ *сов.* (*несов.* **замыка́ться**) 1 *уст.* қулфланмоқ, қулфланиб қолмоқ, бекилмоқ; ~**ться на замо́к** эшикни ичкаридан қулфлаб олмоқ; 2 туташмоқ, қўшилмоқ, бирлашмоқ, пайваста бўлмоқ, уланмоқ; **цепь** ~**лась** занжир уланди; **круг** ~**лся** 1) айланаанинг учлари бирлашди, айлана ёпилди; 2) *перен.* ҳамма нарса ойдинлашди; 3 *перен. во что* и *в чём* жамиятдан (одамлардан) ажралиб қолмоқ, ўз қобиғига ўралиб қолмоқ, яккаланиб (ўралашиб) қолмоқ; ~**ться в семе́йном кругу́** оилада ўралашиб

www.ziyouz.com kutubxonasi

қолмоқ; ✦ **~ться в себе́** ўзи билан ўзи (овора) бўлиб қолмоқ.

ЗА́МКОВЫЙ, **-ая**, **-ое** қасрга оид; қаср...; ~ **парк** қаср парки.

ЗАМКО́В/ЫЙ, **-ая**, **-ое** қулфга оид; қулф...; қулфлаш...; қулфловчи; **~ый ключ** қулф калити; **~ое устро́йство** қулфлаш қурилмаси; қулфловчи қурилма.

ЗА́МОГИЛЬНЫЙ, **-ая**, **-ое** 1 *уст. то же, что* **загро́бный**; 2 *разг.* ер тагидан келаётгандай мудҳиш, қўрқинчли, даҳшатли (овоз ҳақида); ~ **го́лос** ер тагидан келаётгандай мудҳиш овоз.

ЗА́МОК *м, р.* **-мка** қаср, қалъа, сарой, арк, қўрғон; **средневеко́вый** ~ ўрта аср қалъаси; ✦ **возду́шные за́мки** *см.* **возду́шный**.

ЗАМО́К *м, р.* **-мка́** 1 қулф; **дверно́й** ~ эшик қулфи; **запере́ть дверь на** ~ эшикни қулфлаб бекитмоқ; 2 қулф, илгак (зирак, занжир ва ш. к. да); 3 затвор; **пулемётный** ~ пулемёт затвори; 4 *спец.* тирноқ (ёғоч қисмларни бирбирига улаш учун); 5 *спец.* қулф (арканинг, гумбазнинг марказий қулфловчи ғишти, тоши); ✦ **держа́ть под замко́м** бекитиб (яшириб, қулфлаб) қўймоқ; **за семью́ замка́ми** жуда-жуда беркитилган; маҳкамлаб, яшириб ташланган; **на замке́** бекик, ёпиқ, қулфлоқлик; **грани́ца на замке́** 1) чегара берк (ёпиқ); 2) чегара қаттиқ қўриқланади, чегарадан зоғ ҳам ўтолмайди.

ЗАМОКА́ТЬ *несов. см.* **замо́кнуть**.

ЗАМО́КНУТЬ, **-нет** *сов.* (*несов.* **замока́ть**) 1 ивимоқ, ивиб кетмоқ, шилта, ҳўл бўлмоқ; 2 намиқиб шимиб (зичланиб) қолмоқ.

ЗАМО́ЛВИТЬ, **-влю**, **-вишь** *сов.*: ~ **сло́во (слове́чко)** *у кого* или *перед кем за кого-что разг.* биров учун илтимос қилмоқ, бир оғиз гапириб (айтиб) қўймоқ.

ЗАМОЛИ́ТЬ, **-олю́**, **-о́лишь** *сов.* (*несов.* **зама́ливать**) *что уст.* тавба қилиб худога сиғинмоқ, истиғфор келтирмоқ; ~ **грехи́** гуноҳлари учун тавба қилиб худога сиғинмоқ, худодан кечирим сўрамоқ.

ЗАМОЛКА́ТЬ *несов. см.* **замо́лкнуть**.

ЗАМО́Л/КНУТЬ, **-ну**, **-нешь**; **-о́лк**, **-ла** *сов.* (*несов.* **замолка́ть**) жим бўлмоқ, жимиб қолмоқ, тўхтаб (тинчиб) қолмоқ, босилмоқ; **пти́цы ~ли** қушлар жимиб қолди; **пу́шки ~ли** тўплар жимиб қолди, тўпларнинг гумбур-гумбури босилди; **зву́ки ~ли вдали́** узоқдан келаётган товушлар жим бўлиб қолди; **ребёнок ~ и засну́л** бола тинчиб ухлаб қолди; **разгово́р на мину́ту** ~ суҳбат бир дақиқа тўхтаб қолди; 2 *перен.* ўлмоқ, йўқолмоқ, кетмоқ; **рассу́док** ~ ақл йўқолди (кетди, қочди).

ЗАМОЛО́ТЬ, **-мелю́**, **-ме́лешь** *сов. что* 1 торта (янча) бошламоқ; ~ **рожь** жавдари ун торта бошламоқ; ~ **ко́фе** кофе янча бошламоқ; 2 *прост.* вайсай бошламоқ, вайсаб кетмоқ; гапириб ташламоқ; ~ **чепуху́** бўлар-бўлмас гапларни гапириб ташламоқ.

ЗАМОЛЧА́/ТЬ I *сов.* 1 жим бўлмоқ, жимиб қолмоқ, ўчмоқ, босилмоқ, тўхтамоқ, тўхтаб қолмоқ; **расска́зчик ~л** ҳикоячи тўхтаб (жим бўлиб) қолди; **батаре́и ~ли** батареялар жимиб қолди; **заста́вить ~ть вра́жескую батаре́ю** душман батареясини бостирмоқ; 2 хат ёзмай қўймоқ, домдараксиз (жим бўлиб) кетмоқ; **то писа́ла ча́сто, а то на це́лый год ~ла** тез-тез хат ёзиб турарди, бир йилдан буён дом-дараксиз кетди; 3 *перен.* ўлмоқ, йўқолмоқ, кетмоқ; **мечты́ ~ли** орзулар ўлди.

ЗАМОЛЧА́/ТЬ II *сов.* (*несов.* **зама́лчивать**) *что разг.* атайин индамай (кўз юмиб) ўтмоқ, яширмоқ, лом-лим демаслик; **~ть неприя́тный инциде́нт** кўнгилсиз можаро ҳақида оғиз очмай (индамай) кетмоқ, кўнгилсиз воқеани яширмоқ; **кри́тики ~ли отде́льные недоста́тки кни́ги** танқидчилар китобнинг айрим камчиликлари ҳақида лом-лим демадилар.

ЗАМО́Р *м* ўлат.

ЗАМОРА́ЖИВАНИЕ *с по гл.* **замора́живать** 1, 4; ~ **гру́нта** ерни музлатиш; ~ **капита́лов** капиталларни ишга солмай қўйиш.

ЗАМОРА́ЖИВА/ТЬ *несов.* 1 *см.* **замороз́ить**; **~ющий рассо́л** *с.-х.* музлатувчи намакоб; 2 *безл. прост.* қаттиқ совуқ (қаҳратон) бўлмоқ.

ЗАМОРГА́ТЬ *сов.* пирпирата (учира) бошламоқ.

ЗАМОРДОВА́ТЬ, **-ду́ю**, **-ду́ешь** *кого прост.* азоблаб (қийнаб) юбормоқ, эзиб ташламоқ, зулм қилиб (ўтказиб) жонини олмоқ.

ЗАМОРЁННЫЙ, **-ая**, **-ое** *разг.* 1 *прич. от* **заморо́зить**; 2 *в знач. прил.* даққи, ҳорғин, тинкаси қуриган, ҳолдан тойган; ~ **вид** ҳорғин кўриниш.

ЗАМОРИ́ТЬ *сов.* (*несов.* **зама́ривать**) *кого-что разг.* 1 очдан (ёки қийнаб) ўлдирмоқ; ~ **го́лодом** очдан (оч қолдириб) ўлдирмоқ; ~ **непоси́льным трудо́м** оғир меҳнат билан қийнаб ўлдирмоқ; 2 қийнамоқ, тинкасини қуритмоқ, ҳолдан тойдирмоқ, суробини тўғрилаб қўймоқ; 3 ўлдирмоқ (мас., сиркага босиб); ~ **хрен** хренни сиркага босиб ўлдирмоқ; ✦ **~червячка́ (червяка́)** *разг.* бир оз овқатланиб (тамадди қилиб) олмоқ, чувалчангни ўлдирмоқ.

ЗАМОРИ́ТЬСЯ *сов. прост.* чарчамоқ, тинкаси қуримоқ, ҳолдан тоймоқ, суроби тўғри бўлмоқ.

ЗАМОРО́ЖЕНН/ЫЙ, **-ая**, **-ое** 1 *прич. от* **заморо́зить**; 2 *в знач. прил.* ўлик, совуқ, маъносиз, лоқайд; **~ый взгляд** лоқайд чеҳра; **~ое лицо́** ўлик юз.

ЗАМОРО́ЗИТЬ, **-о́жу**, **-о́зишь** *сов.* (*несов.* **замора́живать**) 1 *кого-что* музлатмоқ, яхлатмоқ; ~ **ры́бу** балиқни яхлатмоқ; 2 тўнгдирмоқ, совқоттирмоқ; 3 *что разг.* яхоб қилмоқ, музга солиб яхна қилмоқ; ~ **квас** квасни яхна қилмоқ; 4 *что* бир ҳолда (даражада) сақламоқ, ўсишини тўхтатмоқ, ишлатмасдан (тўхтатиб) қўймоқ; ~ **зарпла́ту** иш ҳақини бир даража сақламоқ; ~ **сре́дства** маблағларни ишга солмаслик.

ЗА́МОРОЗКИ *мн.* (*ед.* **за́морозок** *м*) аёз, дастлабки (эрталабки ёки кечки) совуқ; **ра́нние** ~ эрта тушган совуқ; **осе́нние** ~ кузги аёз.

ЗАМОРОСИ́/ТЬ, **-и́т** *сов. разг.* томчилай бошламоқ, шивалаб (майдалаб) ёға бошламоқ; **~л дождь** ёмғир томчилай бошлади.

ЗАМОРО́ЧИТЬ *сов.* (*несов.* **моро́чить**) *кого-что прост.* миясини қотириб юбормоқ, бошини айлантириб (гангитиб) қўймоқ.

ЗАМО́РСК/ИЙ, **-ая**, **-ое** *уст.* 1 *нар.-поэт.* денгиз ортидан келган (келтирилган); денгиз ортидаги; денгиз орти...; **~ий го́род** денгиз ортидаги шаҳар; **~ий това́р** денгиз ортидан келтирилган товар; **~ий гость** ортидан келган меҳмон; 2 *разг.* чет эллик; чет мамлакатлардан келган (келтирилган); ажнабий; чет эллар...; **~ая торго́вля** чет мамлакатлар билан савдо; 3 *нар.-поэт.* ажиб, таажжуб, ғалати.

ЗАМО́РЫШ *м разг.* нимжон (ориқ) махлуқ.

ЗАМОСТИ́ТЬ, **-ощу́**, **-ости́шь** *сов.* (*несов.* **мости́ть и зама́щивать**) *что* тош термоқ (ётқизмоқ); ~ **доро́гу** йўлга тош ётқизмоқ.

ЗАМОТА́ТЬ I *сов.* (*несов.* **зама́тывать**) *разг.* 1 *что* ўрамоқ, ўраб қўймоқ, ўраб боғламоқ; ~ **во́лосы вокру́г голово́ы** сочини бошига ўраб қўймоқ (олмоқ); ~ **покла́жу верёвкой** юкни чилвир билан ўраб боғламоқ; 2 *кого что прост.* чарчатмоқ, тинкасини қуритмоқ; **хло́поты замота́ли меня́** ташвишлар мени чарчатиб қўйди; 3 ўзлаштирмоқ, ўзиники қилиб олмоқ, еб кетмоқ.

ЗАМОТА́ТЬ II *несов.* силкита (тебрата, ликиллата, чайқата) бошламоқ; ~ **голово́й** бошни чайқата бошламоқ; ~ **хвосто́м** думини ликиллата бошламоқ.

ЗАМОТА́ТЬСЯ I *сов.* (*несов.* **зама́тываться**) 1 ўралмоқ, ўралиб қолмоқ; 2 *прост.* чарчамоқ, тинкаси қуримоқ.

ЗАМОТА́ТЬСЯ II *сов. прост.* силкина (тебрана, чайқала, ликиллай) бошламоқ.

ЗАМО́ЧЕК *м, р.* **-чка** *уменьш. от* **замо́к** *разг.* қулфча, кичкина қулф.

ЗАМО́ЧИ/ТЬ, **-очу́**, **-о́чишь** *сов.* (*несов.* **зама́чивать**) *кого-что* 1 ҳўлламоқ, намламоқ; ҳўл (шилта, шалаббо) қилмоқ; **дождь си́льно ~л нас** ёмғир бизни шалаббо қилди; 2 *что* ивитмоқ, ивитиб қўймоқ; **~ть бельё** кирни ивитмоқ; **~ть конопля́** канопни ивитиб қўймоқ.

ЗАМОЧИ́ТЬСЯ, **-очу́сь**, **-о́чишься** *сов.* (*несов.* **зама́чиваться**) ҳўл (шилта, шалаббо) бўлмоқ, ивиб кетмоқ; юқтирмоқ, беланмоқ.

ЗАМО́ЧКА *ж по гл.* **замочи́ть** 2; ~ **хло́пковых семя́н** пе́ред посе́вом уруғлик чигитни экиш олдидан ивитиш; ~ **льна** зиғирпояни ивитиш.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЗАМО́ЧН/ЫЙ, -ая, -ое қулфга оид; қулф...; **~ая пружи́на** қулф пружинаси; **~ая сква́жина** қулф (калит) тешиги.

ЗАМУЖ *нареч.:* **вы́йти** (или **пойти́, выходи́ть**) ~ эрга тегмоқ, турмушга чиқмоқ; **вы́дать** (или **отда́ть**) ~ эрга бермоқ, узатмоқ.

ЗАМУ́ЖЕМ *нареч.* эр билан; эрли (эрли бўлган) вақтда, эрли; **быть ~** эрли бўлмоқ; **~ ей живётся хорошо́** эри билан у яхши яшайди; эри билан турмуши яхши.

ЗАМУ́ЖЕСТВО *с* эрли бўлиш, эрга тегиш, турмушга чиқиш; эрлилик; эрли вақтдаги ҳаёт; **счастли́вое ~** эр билан бахтли бўлиш (бахтли яшаш), эрга (эрдан) ёлчиш.

ЗАМУ́ЖН/ИЙ, -яя, -ее 1 эрли вақтдаги, эри билан бирга ўтган; **~яя жизнь** эрли вақтдаги турмуш, эри билан бирга ўтган ҳаёт; 2 эрга теккан, турмушга чиққан, узатилган, эри бор, эрли, оилали; **~яя сестра́** узатилган опа (сингил); **~яя же́нщина** эрли (оилали) хотин.

ЗАМУРЗАНН/ЫЙ, -ая, -ое *прост.* исқирт, кир, яғир; **~ая оде́жда** исқирт кийим; **~ый вид** исқирт кўриниш.

ЗАМУРЛЫКА́ТЬ *сов. разг.* 1 хуриллай бошламоқ (мушук ҳақида); 2 хиргойи қилмоқ, ғинғиллаб (минғиллаб) ашула бошламоқ.

ЗАМУРОВА́ТЬ, -ру́ю, -ру́ешь *сов. (несов.* **замуро́вывать**) 1 *что* уриб (бекитиб) ташламоқ; **~ о́кна** деразаларни уриб ташламоқ; 2 *кого-что* орасига олиб (бекитиб, суваб) ташламоқ; **~ це́нности в стене́** қимматбаҳо нарсаларни девор орасига (олиб) суваб ташламоқ.

ЗАМУРОВА́ТЬСЯ, -ру́юсь, -ру́ешься *сов. (несов.* **замуро́вываться**) 1 ўзини-ўзи устидан уриб ташламоқ; 2 *перен. уст.* одамлардан қочмоқ, ўзини четга тортмоқ, узлатга чекинмоқ, уйдан эшикка чиқмай ётмоқ; **~ на да́че** дачада уйдан эшикка чиқмай ётмоқ.

ЗАМУРО́ВЫВАТЬ *несов. см.* **замурова́ть.**

ЗАМУРО́ВЫВАТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **замурова́ться**; 2 *страд. от* **замуро́вывать.**

ЗАМУ́СЛИВАТЬ *несов. разг. см.* **заму́слить.**

ЗАМУ́СЛИВАТЬСЯ *несов. разг.* 1 *см.* **заму́слиться**; 2 *страд. от* **заму́сливать.**

ЗАМУ́СЛИТЬ *сов. что разг. то же, что* **замусо́лить**; **~ кни́гу** китобнинг яғирини чиқармоқ.

ЗАМУ́СЛИТЬСЯ *сов. разг.* ҳамма ёғи сўлакай (кир, яғир) бўлмоқ.

ЗАМУСО́ЛЕНН/ЫЙ, -ая, -ое *разг.* ҳамма ёғи сўлакай бўлган, кир босган, яғири чиққан.

ЗАМУСО́ЛИВАТЬ *несов. см.* **замусо́лить.**

ЗАМУСО́ЛИВАТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **замусо́литься**; 2 *страд. от* **замусо́ливать.**

ЗАМУСО́ЛИ/ТЬ *сов. (несов.* **замусо́ливать**) *что разг.* сўлакай қилмоқ, кир бостирмоқ, яғирини чиқармоқ; **ребёнок ~л нагру́дник** бола сўлакчасини сўлак қилиб юборибди; **~ть костю́м** кийимнинг яғирини чиқармоқ.

ЗАМУСО́ЛИТЬСЯ *сов. (несов.* **замусо́ливаться**) *разг.* ҳамма ёғи сўлакай бўлмоқ, кир босмоқ, яғири чиқмоқ.

ЗАМУ́СОРИВАТЬ *несов. см.* **заму́сорить.**

ЗАМУ́СОРИВАТЬСЯ, -ается *несов.* 1 *см.* **заму́ситься**; 2 *страд. от* **заму́соривать.**

ЗАМУ́СОРИТЬ *сов. (несов.* **заму́соривать**) *что* ифлос қилмоқ, ивирситмоқ, булғамоқ; **~ ко́мнату** хонани ифлос қилмоқ.

ЗАМУ́СОРИТЬСЯ *сов. (несов.* **заму́сориваться**) *разг.* ифлосланмоқ, ифлос бўлмоқ, ивирсиб кетмоқ, булғанмоқ.

ЗАМУТИ́ТЬ, -учу́, -ути́шь и **-у́тишь** *сов. (несов.* **мути́ть**) *что* 1 лойқалатмоқ, лойқаламоқ, лойқа қилмоқ, лойқа қилиб қўймоқ, лойқатиб юрмоқ; 2 *уст.* и *прост.* ғулув солмоқ, ғалаённа келтирмоқ; ✦ **воды́ не замути́ть** *см.* **вода́.**

ЗАМУТИ́ТЬСЯ, -ути́тся и **-у́тится** *сов. (несов.* **мути́ться**) лойқаланмоқ, лойқа бўлиб қолмоқ.

ЗАМУТНЕ́НИЕ *с по гл.* **замутне́ть.**

ЗАМУТНЕ́ТЬ, -е́ет *сов.* лойқаланмоқ, лойқа бўлиб қолмоқ (кетмоқ).

ЗАМУХРЫ́ШКА *м* и *ж, р. мн.* **-шек** *прост.* усти-боши ёмон (ночор, кўримсиз) одам; жулдурвоқи.

ЗАМУ́ЧИВАТЬ *несов. см.* **заму́чить.**

ЗАМУ́ЧИ/ТЬ *сов. (несов.* **заму́чивать**) *кого-что* 1 **қийнаб жонини олмоқ**, азоблаб ўлдирмоқ, адойи тамом қилмоқ; **~ть пы́тками** қийноққа солиб) ўлдирмоқ; 2 қийнамоқ; безор қилмоқ, тинкасини қуритмоқ, жонига тегмоқ, жондан тўйдирмоқ; **~ть** *кого-л.* **вопро́сами** саволлари билан безор қилмоқ; **головна́я боль ~ла меня́** бош оғриғи менинг тинкамни қуритди; **его́ со́весть ~ла** уни виждон қийнаб қўйди, у виждон азобида қолди.

ЗАМУЧИ́ТЬСЯ *сов. разг.* қийналмоқ, қийналиб кетмоқ, безор бўлмоқ, жондан тўймоқ.

ЗА́МША *ж* замш (буғу, қўй ва бошқа молларнинг терисидан тайёрланган юмшоқ бахмалсимон чарм).

ЗА́МШЕВ/ЫЙ, -ая, -ое замшдан қилинган, замш...; **~ые ту́фли** замш туфли; **~ое произво́дство** замш ишлаб чиқариш.

ЗАМШЕ́ЛЫЙ, -ая, -ое мох босган; йўсин билан қопланган; **~ пень** мох босган (йўсин билан қопланган) тўнка.

ЗАМШЕ́ТЬ, -е́ет *сов.* мох босмоқ, йўсин билан қопланмоқ.

ЗАМЫВА́ТЬ *несов. см.* **замы́ть.**

ЗАМЫ́ЗГАННЫЙ, -ая, -ое *прост.* 1 *прич. от* **замы́згать**; 2 *в знач. прил.* кир, исқирт, эскирган, уринган; титиғи чиққан; **~ хала́т** кир(исқирт) халат; титиғи чиққан халат.

ЗАМЫ́ЗГАТЬ *сов. (несов.* **замы́згивать**) *что прост.* кир (исқирт) қилмоқ, эскиртмоқ, кийиб (тутиб) уринтирмоқ, титиғини чиқармоқ; **~ костю́м** костюмни кийиб эскиртмоқ; костюмнинг титиғини чиқармоқ.

ЗАМЫ́ЗГАТЬСЯ *сов. прост.* кийилавериб эскирмоқ, уринмоқ, титиғи чиқмоқ.

ЗАМЫ́ЗГИВАТЬ *несов. см.* **замы́згать.**

ЗАМЫ́ЗГИВАТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **замы́згаться**; 2 *страд. от* **замы́згивать.**

ЗАМЫКА́НИЕ *с по гл.* **замыка́ть**; ✦ **коро́ткое ~** *эл.* қисқа туташув.

ЗАМЫКА́ТЬ *несов.* 1 *см.* **замкну́ть**; 2 *что* энг охирида бўлмоқ (бормоқ); **~ ше́ствие** намойишнинг энг охирида бўлмоқ (бормоқ).

ЗАМЫКА́ТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **замкну́ться**; 2 *страд. от* **замыка́ть.**

ЗАМЫКА́ЮЩ/ИЙ, -ая, -ее 1 *прич. от* **замыка́ть**; 2 *в знач. сущ.* **~ м** охирги, энг охирда борувчи (сафда, колоннада).

ЗА́МЫСЕЛ *м* 1 ўйлаб қўйилган иш, план, ният, мўлжал, қасд; **осуществи́ть ~** ниятни (ўйлаб қўйилган ишни, планни) амалга оширмоқ; **опа́сный ~** хавфли ният; **стратеги́ческий ~** стратегик план (мўлжал); 2 асосий фикр, мазмун, ғоя; **иде́йный ~ пье́сы** пьесанинг асосий ғояси.

ЗАМЫСЛИ́ТЬ *сов. (несов.* **замышля́ть**) *что* ўйлаб қўймоқ; ният (қасд ёки мўлжал) қилмоқ, кўнгилга тугмоқ; **~ побе́г** қочишни ўйлаб қўймоқ.

ЗАМЫСЛОВА́Т/ЫЙ, -ая, -ое 1 чалкаш, тушуниб бўлмайдиган, бош қотирадиган, жумбоқли, илмоқли; **~ая игра́** бош қотирадиган ўйин; **~ая статья́** чалкаш мақола; **~ый вопро́с** жумбоқли (илмоқли) савол; 2 қизиқ, ғалати, гажакдор, жимжимадор; **~ый узо́р** жимжимадор нақш.

ЗАМЫ/ТЬ, -мо́ю, -мо́ешь *сов. (несов.* **замыва́ть**) *что* ювиб тозаламоқ (кетказмоқ), ювиб ташламоқ; **~ть пятно́** ювиб доғни кетказмоқ; доғни ювиб ташламоқ; 2 ювиб (олиб) кетмоқ, ювиб текислаб юбормоқ; **дождь ~л следы́** ёмғир изларни ювиб кетди; 3 кўмиб кетмоқ, кўмиб юбормоқ; **я́корь ~ло** якорь кўмилиб кетди.

ЗАМЫЧА́ТЬ *сов. разг.* 1 маърай (бўкира) бошламоқ; 2 тўнғиллай (минғиллай) бошламоқ.

ЗАМЫШЛЯ́ТЬ *несов. см.* **замы́слить.**

ЗАМЯ́ТЬ, -мну́, -мнёшь *сов. (несов.* **замина́ть**) *что разг.* 1 эзиб (мижиғлаб, ғижимлаб) ташламоқ; **~ поку́рок** папирос қолдиғини эзиб (мижиғлаб) ташламоқ; 2 босиб қўймоқ, бости-бости қилмоқ, хаспўшлаб юбормоқ; **~ де́ло** ишни бости-бости қилмоқ; **~ скандал** жанжални бости-бости қилмоқ; 3 чалғитиб (алахситиб) юмшатмоқ, бошқа томонга бурмоқ; **~разгово́р** гапни бошқа ёққа бурмоқ.

ЗАМЯ́ТЬСЯ, -мну́сь, -мнёшься *сов. (несов.* **замина́ться**) *разг.* 1 уялиб (довдираб) қолмоқ; ўзини йўқотиб қўйди; 2 гангиб (гап тополмай) қолмоқ, тутилиб қолмоқ.

ЗАМЯУ́КАТЬ *сов. разг.* миёвлай бошламоқ, миёв-миёв қилмоқ.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЗАНАВАЖИВАТЬ *несов. см.* **занавóзить.**

ЗАНАВЕС *м* 1 парда, дарпарда, сарпарда; 2 театр парда; **поднять ~** пардани кўтармоқ; 3 *уст. то же, что* **занавéска;** ✦ **под ~** охирида, пировардида; тугаш (тугатиш) олдида.

ЗАНАВЕСИТЬ, -éшу, -éсишь *сов. (несов.* **занавéшивать**) *что* 1 пардаламоқ, пардалаб (парда тутиб) қўймоқ; **~ окнó** деразага парда тутмоқ; **~ экспонáты от сóлнца** экспонатларнинг устини қуёшдан пардалаб қўймоқ.

ЗАНАВЕСИТЬСЯ, -éшусь, -éсишься *сов. (несов.* **занавéшиваться**) *разг.* пардаланмоқ, парда тутиб олмоқ.

ЗАНАВЕСК/А *ж* парда; **окóнная ~а** дераза пардаси; **задёрнуть ~у** пардани тортиб қўймоқ.

ЗАНАВЕСОЧНЫЙ, -ая, -ое пардабоп, пардалик; парда...; **~ материáл** пардабоп материал.

ЗАНАВЕШИВАТЬ *несов. см.* **занавéсить.**

ЗАНАВЕШИВАТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **занавéситься;** 2 *страд. от* **занавéшивать.**

ЗАНАВОЗИТЬ, -óжу, -óзишься *сов. (несов.* **занавáживать**) *что* 1 *с.-х.* гўнгламоқ, гўнг солмоқ; **~ приусáдебный учáсток** томорқани гўнгламоқ; 2 *прост.* ифлос қилмоқ, булғатмоқ; **~ двор** ҳовлини булғатмоқ.

ЗАНАРЯДИТЬ *сов. (несов.* **занаряжáть** и **занарáживать**) *кого-что спец.* и *прост.* нарядга белгиламоқ, наряд билан юбормоқ.

ЗАНАРЯЖАТЬ *несов. см.* **занарядúть.**

ЗАНАРЯЖИВАТЬ *несов. см.* **занарядúть.**

ЗАНАШИВАТЬ *несов. см.* **заноси́ть** II.

ЗАНАШИВАТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **заноси́ться** II; 2 *страд. от* **занáшивать.**

ЗАНЕВЕСТИТЬСЯ, -éщусь, -éстишься *сов. прост.* бўйига (вояга, балоғатга) етмоқ, етилмоқ, узатиладиган бўлиб қолмоқ.

ЗАНЕДУЖИТЬ *сов. обл.* тоби (мазаси) қочмоқ, тоби айнимоқ, бетоб бўлиб қолмоқ.

ЗАНЕДУЖИТЬСЯ *сов. обл. то же, что* **занедýжить.**

ЗАНЕМЕ/ТЬ *сов.* 1 *разг.* увушиб (қотиб) қолмоқ; **рукá ~ла** қўли(м) увушиб қолди; 2 *прост.* гапиролмай (қотиб) қолмоқ; **~ть от стрáха** қўрққанидан гапиролмай (қотиб) қолмоқ.

ЗАНЕМОГАТЬ *несов. см.* **занемóчь.**

ЗАНЕМОЧЬ, -огý, -óжешь, -óгут; -óг, -оглá *сов. (несов.* **занемогáть**) тоби қочмоқ (айнимоқ), тоби қочиб (касал, бетоб бўлиб) қолмоқ.

ЗАНЕСЕНИЕ *с по гл.* **занести́** 4—7; **~ в спúсок** рўйхатга киритиб қўйиш; **~ в протокóл** протоколга киритиш (ёзиб, қўшиб қўйиш); **вы́говор с ~м в лúчное дéло** шахсий делосига ёзиш шарти билан берилган виговор.

ЗАНЕС/ТИ́, -сý, -сёшь; -ёс, -есла́ *сов. (несов.* **заноси́ть** I) 1 *что* олиб келмоқ, келтирмоқ; 2 *кого-что* олиб бориб қўймоқ (ташламоқ); **судьбá ~ла егó на Сéвер** тақдир уни Шимолга олиб бориб қўйди (ташлади); **куда́ тебя́ ~ло?** қаёққа келиб қолдинг (қолибсан), а?; 3 *кого-что* ташлаб ўтмоқ; **~ти́ кни́гу прия́телю** китобни дўстига (дўстиникига) ташлаб ўтмоқ; 4 *что прост.* и *обл.* олиб кириб (киритиб) қўймоқ; **~ти́ ве́щи в кóмнату** нарсаларни уйга олиб кириб (киритиб) қўймоқ; 5 *что* кўтармоқ, кўтариб қўймоқ, кўймоқ; **~ти́ но́гу в стре́мя** оёқни узангига қўймоқ; **~ти́ ру́ку для уда́ра** қўл (мушт) кўтармоқ (уриш учун); 6 *что* суриб кетмоқ, суриб (буриб) юбормоқ; **машúну ~ло впра́во** машина ўнг томонга сурилиб (бурилиб) кетди; 7 *кого-что* ёзмоқ, қўшмоқ, тиркамоқ, киритмоқ; ёзиб (тиркаб, қўшиб, киритиб) қўймоқ; **~ти́ слова́ свидéтеля в протокóл** гувоҳнинг сўзларини протоколга ёзиб қўймоқ; **~ти́ в спúсок** рўйхатга киритмоқ (киритиб қўймоқ); 8 *что* кўммоқ; кўмиб ташламоқ, кўмиб (босиб) кетмоқ; **бéрег ~ло́ песко́м** соҳилни қум босиб кетибди; **снéгом ~ло́ доро́гу** йўлни қор босиб кетибди.

ЗАНЕСТИСЬ I, -сýсь, -сёшься; -ёсся, -есла́сь *сов. (несов.* **заноси́ться** I) *разг.* 1 узоқ хаёлларга бормоқ; хаёл суриб кетмоқ; **занёсся в мечтáх** хаёл олиб кетди; 2 димоғи кўтарилиб кетмоқ, босар-тутарини билмай қолмоқ; **занёсся и знать никогó не хóчет** димоғи кўтарилиб ҳеч кимни танимай қўйди (қолди).

ЗАНЕС/ТИ́СЬ II, -несётся *сов.* тухумга кирмоқ, тухум қила бошламоқ; **кýры рáно ~ли́сь** товуқлар эрта тухум қила бошлади (тухумга кирди).

ЗАНИЖАТЬ *несов. см.* **занúзить.**

ЗАНИЖЕНИЕ *с по гл.* **занижáть; ~ оцéнки** баҳони пасайтириш, паст баҳо қўйиш.

ЗАНИЖЕНН/ЫЙ, -ая, -ое 1 *прич. от* **занúзить;** 2 *в знач. прил.* пасайтириб (камайтириб) юборилган, паст; **~ая нóрма** пасайтирилган (камайтирилган) норма; паст норма; **~ые нóрмы вы́работки** пасайтирилган (камайтирилган) ишлаб чиқариш нормалари.

ЗАНИЗИТЬ, -úжу, -úзишь *сов. (несов.* **занижáть**) *что* пасайтирмоқ, камайтирмоқ; пасайтириб (камайтириб) юбормоқ (қўймоқ); **~ трéбования** талабларни пасайтирмоқ.

ЗАНИМАТЕЛЬНО *нареч.* ғалати (қизиқ) қилиб, қизиқ, мароқли; **~ рассказывать** қизиқ (мароқли) қилиб айтиб бермоқ.

ЗАНИМАТЕЛЬНОСТЬ *ж* қизиқлик, қизиқтирадиганлик; мароқлилик.

ЗАНИМАТЕЛЬНЫЙ, -ая, -ое қизиқ, қизиқарли, мароқли; **~ расскáз** қизиқ ҳикоя; **~ ребёнок** қизиқ бола.

ЗАНИМАТЬ I *несов. см.* **занять** I.

ЗАНИМАТЬ II *несов. см.* **занять** II.

ЗАНИМАТЬСЯ I *несов.* 1 *см.* **заня́ться** I; 2 ишламоқ, ўқимоқ, дарс қилмоқ; **~ в университéте** университетда ўқимоқ; **~ по ночáм** тунлари (кечалари) дарс қилмоқ (ишламоқ); 3 *чем* шуғулланмоқ, машғул бўлмоқ, ўрганмоқ; **~ матемáтикой** математика билан шуғулланмоқ; 4 *с кем* шуғулланмоқ, ўқитмоқ, дарс бермоқ; **~ с ученикáми** ўқувчилар билан шуғулланмоқ.

ЗАНИМАТЬСЯ II, -áется *несов. см.* **заня́ться** II.

ЗАНОВО *нареч.* 1 янги(г)дан, бошқатдан, қайтадан; **сдéлать ~** қайтадан қилмоқ; **написáть** *что-л.* **~** бошқатдан ёзмоқ; 2 дастлаб, даставвал, биринчи марта, янгидан; **в Узбекистáне ~ создáна хлопкоубóрочная тéхника** пахта териш техникаси дастлаб (биринчи марта) Ўзбекистонда юзага келтирилди; 3 янгича, ўзгача; **зажúть ~** янгича яшай бошламоқ.

ЗАНОЗА I *ж* зирапча; 2 *м* и *ж разг.* ҳаммадан (ҳамма нарсадан) айб топувчи (ҳеч кимни тинч қўймайдиган) одам, гажир.

ЗАНОЗИСТЫЙ, -ая, -ое *разг.* 1 серзирапча, ғадир-будур; **~ пол** серзирапча (ғадир-будур) пол; 2 *перен.* ҳаммадан (ҳамма нарсадан) айб топувчи, ҳеч кимни тинч қўймайдиган, гажир.

ЗАНОЗИТЬ, -ожý, -озúшь *сов. что* зирапча киргизмоқ; **~ пáлец** бармоғига зирапча киргизмоқ.

ЗАНОС *м* 1 *по гл.* **занести́ — заноси́ть** I, 3, 5, 6, 8; 2 уюм, тепа (шамолда кўчиб ҳосил бўлган уюм, тепалар ҳақида); **снéжный ~** қор уюми, қор тепа.

ЗАНОСИТЬ I *несов. см.* **занести́.**

ЗАНОСИТЬ II, -ошý, -óсишь *сов. что (несов.* **занáшивать**) кийиб (тутиб) кир қилмоқ, эскиртмоқ, тўздирмоқ, уринтирмоқ; **~ рубáшку** кўйлакни кийиб эскиртмоқ.

ЗАНОСИТЬСЯ I *несов.* 1 *см.* **занести́сь** I; 2 *страд. от* **заноси́ть** I.

ЗАНОСИ/ТЬСЯ II, -óсится *сов. (несов.* **занáшиваться**) кийилавериб кир бўлмоқ, эскирмоқ, тўзмоқ, уринмоқ; **бельё ~лось** ички кийим(им) кир бўлиб (ёки эскириб) кетди.

ЗАНОСНЫ/Й, -ая, -ое бошқа ёқдан келтирилган, четдан олиб келинган (келиб қолган); **~й кáмень** бошқа ёқдан олиб келинган тош; **~е скáзки** четдан келиб қолган (кирган) эртаклар.

ЗАНОСЧИВО *нареч.* ўзини катта олиб (тутиб), манманлик (такаббурлик, мағрурлик, димоғдорлик) билан, кеккайиб, гердайиб, такаббурона; **~ ответúть** манманлик билан жавоб бермоқ; **~ держáться** ўзини катта (такаббурона) тутмоқ.

ЗАНОСЧИВ/ЫЙ, -ая, -ое баландпарвоз, манман, такаббур, димоғдор, гердайган, кеккайган, ўзини катта тутувчи; **~ый ответ** такаббурона (баландпарвоз) жавоб; **~ое поведéние** ўзини катта тутиб (гердайиб) юриш, манманлик, димоғдорлик.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЗАНОЧЕВА́ТЬ, -чу́ю, -чу́ешь *сов. (несов.* **заночёвывать**) тунамоқ, тунаб (ётиб) қолмоқ; ~ **в гостя́х** меҳмонга борган жойда тунаб қолмоқ.

ЗАНОЧЁВЫВАТЬ *несов. см.* **заночева́ть.**

ЗАНОШЕ́НН/ЫЙ, -ая, -ое 1 *прич. от* **заноси́ть** II; 2 *в знач. прил.* кийилавериб кир бўлиб кетган, эскирган (тўзган, уринган), эскириб қолган, яғири чиққан; ~**ая руба́шка** кийилавериб эскириб қолган кўйлак.

ЗАНУ́ДА *м* и *ж прост. презр.* минғир-минғир одам, мижғов.

ЗАНУ́ДЛИВЫЙ, -ая, -ое *прост.* минғир-минғир, мижғов.

ЗАНУ́ДНЫЙ, -ая, -ое *прост. то же, что* **зану́дливый.**

ЗАНУМЕРОВА́ТЬ, -ру́ю, -ру́ешь *сов. (несов.* **занумеро́вывать**) *что* номерламоқ, номер қўймоқ.

ЗАНУМЕРО́ВЫВАТЬ *несов. см.* **занумерова́ть.**

ЗАНЫ́ТЬ, -но́ю, -но́ешь *сов.* 1 зирқираб (сирқираб) оғриб бошламоқ, оғриққа кирмоқ; 2 инграй (ғинший) бошламоқ, зорланмоқ.

ЗАНЯ́ТИ/Е *с по гл.* **заня́ть** II, 1—3, 5; ~**е до́лжности** вазифани эгаллаш; ~**е спо́ртом** спорт билан шуғулланиш (машғул бўлиш); 2 иш, ҳунар, касб; машғулот; **род ~й** машғулот тури; **вы́брать себе́ ~е по вку́су** ўзига ёққан ишни танламоқ; ~**я по хозя́йству** хўжалик ишлари; **литерату́рные ~я** адабий машғулотлар; 3 *мн.* ~**я** дарслар, ўқишлар, машғулотлар; **начались ~я в шко́ле** мактабда дарслар бошланди; 4 эрмак, овунчоқ.

ЗАНЯ́ТНО *нареч. разг.* қизиқ (завқли) қилиб, қизиқ; **он ~ расска́зывает** у қизиқ (ғалати) ҳикоя қилади.

ЗАНЯ́ТНОСТЬ *ж разг.* қизиқлик, қизиқарлилик.

ЗАНЯ́ТНЫЙ, -ая, -ое; -тен, -тна *разг.* қизиқ, қизиқарли, ғалати; ~ **челове́к** ғалати одам, қизиқ одам; ~ **расска́з** қизиқ ҳикоя.

ЗАНЯ́ТОЙ, -а́я, -о́е иши кўп, иш билан банд, сериш; **он о́чень ~ челове́к** у жуда банд (иши кўп) одам, унинг жуда иши кўп.

ЗАНЯ́ТОСТ/Ь *ж* 1 *эк.* бандлик, иш билан таъминланганлик; ~**ь рабо́чей си́лы** иш кучининг иш билан таъминланганлиги; **и́ндекс ~и рабо́чих** ишчиларнинг иш билан таъминланганлик кўрсаткичи; 2 иш билан бандлик, иши кўплик, серишлик; **ввиду́ ~и** иш кўп (иш билан банд) бўлганлиги сабабли.

ЗАНЯ́Т/ЫЙ, -ая, -ое 1 *прич. от* **заня́ть** II; 2 *в знач. прил.* иши кўп, иш билан банд; иши бор; **я ~, зайди́те по́зже** ҳозир ишим бор (вактим йўқ), кечроқ келинг.

ЗАНЯ́ТЬ I, займу́, займёшь; за́нял, заняла́, за́няло *сов. (несов.* **занима́ть** I) *что* қарз олмоқ; қарзга олиб турмоқ.

ЗАНЯ́ТЬ II, займу́, займёшь; за́нял, заняла́, за́няло *сов. (несов.* **занима́ть** II) 1 *что* эгалламоқ, банд (ишғол) қилмоқ, олмоқ; ~ **мно́го ме́ста** кўп жой олмоқ; **кни́ги за́няли всю по́лку** китоблар бутун жавонни эгаллади (банд қилди); ~ **весь стол чертежа́ми** столни батамом чизма билан банд қилмоқ; 2 *что* эгалламоқ, жойлашмоқ, ўрнашмоқ, ўрнашиб олмоқ; ишғол қилмоқ; ~ **кварти́ру** квартирага жойлашмоқ (ўрнашмоқ), квартирани эгалламоқ; ~ **ме́сто в вагоне** вагондан жой олмоқ; ~ **кре́пость** қалъани эгалламоқ (ишғол қилмоқ); 3 *что* эгалламоқ, олмоқ, ўрнашмоқ, ўтирмоқ; ~ **до́лжность дире́ктора** директорлик вазифасини олмоқ; директорлик вазифасига ўрнашмоқ (ўтирмоқ); ~ **вака́нсию** бўш ўринни (лавозимни) эгалламоқ; 4 *что* чўзилмоқ, олмоқ (вақт ҳақида); **погру́зка заняла́ три часа́** юк ортиш уч соат вақт олди, юк ортиш уч соатга чўзилди; 5 *кого-что* фойдаланмоқ, банд (машғул) қилмоқ, иш бермоқ, ишлатмоқ; ~ **молоды́х актёров в но́вом спекта́кле** ёш актерларни янги спектаклда банд қилмоқ; **на стро́йтельстве за́нято пятьсо́т челове́к** қурилишда беш юз киши банд (ишлайди); 6 *кого-что* қизиқтирмоқ, фикр-хаёлини олмоқ (банд қилмоқ, чулғаб олмоқ); **его́ заняла́ мысль о пое́здке на Се́вер** уни Шимолга кетиш ҳақидаги фикр қизиқтириб қўйди, унинг фикр-хаёли Шимолга боришда бўлиб қолди; 7 *кого-что* кўнглини олмоқ, овунтирмоқ; ~ **го́стя разгово́ром** меҳмонни гап билан кўнглини олмоқ; ✦ **дух (или дыха́ние) за́няло (занима́ет)** *разг.* нафасим тиқилиб кетди, бўғилиб кетдим.

ЗАНЯ́ТЬСЯ I, займу́сь, займёшься; -ялся́, -яла́сь *сов. (несов.* **занима́ться** I) 1 *чем* бошламоқ, киришмоқ; ~ **чте́нием** ўқий бошламоқ; ўқишга киришмоқ; 2 *чем* шуғулланмоқ, машғул бўлмоқ, қилмоқ; ~ **разведе́нием цвето́в** гулчилик билан машғул бўлмоқ, гулчилик қилмоқ; 3 *кем-чем* қизиқмоқ, қизиқиб қолмоқ, диққат-эътиборини бермоқ, берилмоқ, андармон бўлмоқ; ~ **газе́той** берилиб газета ўқимоқ, диққат-эътиборини газетага бермоқ; 4 *с кем-чем разг.* шуғулланмоқ, мураббийлик қилмоқ; ~ **с детьми́** болалар билан шуғулланмоқ.

ЗАНЯ́/ТЬСЯ II, займётся; -ялся́; -яла́сь *сов. (несов.* **занима́ться** II) 1 ёнмоқ, ёна бошламоқ, жўнашиб (яхши ёниб) кетмоқ, ўт олмоқ; **костёр ~лся́** гулхан ёна бошлади; 2 ёриша бошламоқ, ота бошламоқ; бошланмоқ; **день ~лся́** кун бошланди; **заря́ ~ла́сь** тонг ёриша бошлади; ✦ **дух ~лся́** *разг.* нафаси сиқилди, нафаси тиқилиб (қайтиб) қолди; **бежа́л так, что дух ~лся́** шундай югурди(м)ки, нафаси(м) сиқилиб кетди.

ЗАОБЛА́ЧН/ЫЙ, -ая, -ое 1 булутлар тепасидаги, булутдан баланд, осмондаги, осмони фалакка етган (кўтарилган); ~**ая высь** баланд осмон; осмони фалак; ~**ые верши́ны Алта́я** Олтойнинг булутлардан баланд (осмонўпар) чўққилари; 2 *перен.* ҳақиқатдан (ҳаётдан) узоқ, хаёлий, хомхаёл; ~**ые мечты́** хаёлий (хомхаёл) орзулар.

ЗАОДНО́ *нареч.* 1 бирга, биргаликда, биргалашиб, якдиллик билан, бир ёқадан бош чиқариб, ҳамжиҳат бўлиб; **быть (де́йствовать) ~ с** *кем-л.* биргалашиб ҳаракат қилмоқ; 2 *разг.* биратўла, бирйўла, бирваракай,... билан бирга, айни замонда; **купи́ть ~ и кни́жку** биратўла китоб ҳам сотиб олмоқ; 3 *в знач. сказ.* бир, бирга; **они́ все ~** улар ҳаммаси бир (бирга).

ЗАОКЕА́НСК/ИЙ, -ая, -ое 1 океан ортидаги, океаннинг нариги томонидаги; ~**ие стра́ны** океан ортидаги мамлакатлар; 2 океан ортига (океандан нариги томонга) бўлган; ~**ое путеше́ствие** океан орти мамлакатларига саёҳат.

ЗАОРА́ТЬ *сов. прост.* бақира бошламоқ, бақириб кетмоқ (юбормоқ).

ЗАОРГАНИЗОВА́ТЬ, -зу́ю, -зу́ешь *сов. (несов.* **заорганизо́вывать**) *разг. что* ташкилий ишлар (чора-тадбирлар) билан кўмиб ташламоқ.

ЗАОРГАНИЗО́ВЫВАТЬ *несов. см.* **заорганизова́ть.**

ЗАОСТРЁ́ННЫ/Й, -ая, -ое 1 *прич. от* **заостри́ть**; 2 *в знач. прил.* учи ўткир (найза); учли; қиррали, қирра; ~**е верши́ны гор** тоғларнинг учи найза (учли) чўққилари; ~**й нос** қирра бурун.

ЗАОСТРИ́ТЬ *сов. (несов.* **заостря́ть**) *что* 1 учини чиқармоқ (очмоқ); ўткирламоқ, қайрамоқ, чархламоқ; қайраб (чархлаб) қўймоқ; ~ **каранда́ш** қаламнинг учини чиқармоқ (очмоқ); ~ **меч** қилични чархламоқ; 2 *перен.* кескинлаштирмоқ, жиддийлаштирмоқ, қатъийлаштирмоқ; кескин (жиддий, қатъий) қилиб қўймоқ, кучайтирмоқ; ~ **мысль** фикрини кучайтирмоқ; ~ **вопро́с** масалани кескин қилиб қўймоқ; ~ **внима́ние** *на чём-л.* эътиборни кучайтирмоқ, жиддий диққат (эътибор) бермоқ.

ЗАОСТРИ́/ТЬСЯ, -и́тся *сов. (несов.* **заостря́ться**) 1 ўткирлашмоқ, қайралмоқ, ўткир бўлмоқ; 2 сўппаймоқ, сўқ қайиб қолмоқ; **нос ~лся** бурни сўппайиб қолибди; 3 *перен.* кескинлашмоқ, жиддийлашмоқ, қатъийлашмоқ, кескин тус олмоқ; **пробле́ма ~лась** проблема кескинлашди.

ЗАОСТРЯ́ТЬ *несов. см.* **заостри́ть.**

ЗАОСТРЯ́ТЬСЯ, -я́ется *несов.* 1 *см.* **заостри́ться**; 2 *страд. от* **заостря́ть.**

ЗАО́ЧНИК *м* сиртдан ўқувчи.

ЗАО́ЧНИЦА *ж см.* **зао́чник.**

ЗАО́ЧН/ЫЙ, -ая, -ое 1 сиртдан; сиртдан (орқасидан, ўзи йўғида) бўлган (бўладиган, чиқарилган, чиқариладиган); ғойибона; ~**ый приговор** сиртдан чиқарилган ҳукм; **Безу́мно ждать любви́ ~ой** (Лермонтов) Ғойибона муҳаббатни кутиш телбаликдир; 2 сиртқи, сиртдан туриб; ~**ое обуче́ние** сиртқи ўқиш.

ЗАПА́ВШИ/Й, -ая, -ее 1 *прич. от* **запа́сть**; 2 *в знач. прил.* ботиқ, чўкик, чўккан, киртайган, ичига ботган (кир-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ган); ~е щёки ичига ботган юзлар; ко́ни с ~ми бока́ми биқини ичига ботган отлар.

ЗА́ПАД *м* 1 ғарб; кун ботиш; **держа́ть курс на ~** ғарбга (томон) йўл олмоқ; 2 Ғарб (Ғарбий Европа, Ғарбий Европа мамлакатлари); **иску́сство За́пада** Ғарб санъати.

ЗАПАДА́ТЬ, -а́ет *несов. см.* **запа́сть.**

ЗА́ПАДНИК *м* ғарбчи, ғарбпараст.

ЗАПА́ДНИЧЕСТВО *с* ғарбчилик, ғарбпарастлик (19-аср ўрталарида рус буржуа-дворянлари ўртасида юзага келган, Россия Ғарбий Европа тараққиёти йўлидан бориши керак деб билган либерал ижтимоий оқим).

ЗА́ПАДН/ЫЙ, -ая, -ое 1 ғарбий, ғарбдаги, ғарб томондаги; ғарб...; **~ая грани́ца** ғарбий чегара; **~ый ве́тер** ғарбий (ғарбдан эсган) шамол; 2 Ғарб...; **~ая литерату́ра** Ғарб адабиёти.

ЗАПА́ДН/Я *ж прям.* и *перен.* пистирма, қопқон, тузоқ; **попа́сть в ~ю** пистирмага тушиб қолмоқ, тузоғига (домига) илинмоқ.

ЗАПАЗДЫВАТЬ *несов. см.* **запозда́ть.**

ЗАПА́ИВАТЬ *несов. см.* **запаять.**

ЗАПАКОВА́ТЬ, -ку́ю, -ку́ешь *сов.* (*несов.* **запако́вывать**) *что* жойламоқ, ўрамоқ, ўраб боғламоқ; тойламоқ; **~ ве́щи** нарсаларни жойламоқ (ўраб боғламоқ).

ЗАПАКОВА́/ТЬСЯ, -ку́ется *сов.* (*несов.* **запако́вываться**) жойланмоқ, жой бўлмоқ; **ве́щи хорошо́ ~лись** нарсалар яхши жойланди.

ЗАПАКО́ВЫВАТЬ *несов. см.* **запакова́ть.**

ЗАПАКО́ВЫВАТЬСЯ, -ается *несов.* 1 *см.* **запакова́ться**; 2 *страд. от* **запако́вывать.**

ЗАПА́КОСТИТЬ, -ощу, -остишь *сов.* (*несов.* **па́костить**) *что прост.* булғатмоқ, ифлос қилмоқ, ивирситмоқ, булғатиб юбормоқ, ифлос қилиб (ивирситиб) ташламоқ; **~ пол** полни ифлос қилиб юбормоқ.

ЗАПА́КОСТИТЬСЯ, -ится *сов. прост.* булғанмоқ, ифлос бўлмоқ, ивирсимоқ; ифлос бўлиб (ивирсиб) кетмоқ.

ЗА́ПАЛ I *м* 1 запал, пилта; **оруди́йный ~** замбарак запали (пилтаси); 2 *перен. разг.* жўш, ғайрат, ҳовур; **пораба́таем, по́ка есть ~** ҳовурдан тушмасдан (ғайрат келиб турганда) ишлаб қолайлик; ✦ **под ~** қизиқ устида, аччиғи келганда (чиқиб турганда).

ЗА́ПАЛ II *м спец.* жўткирув, ҳаллослаш (ҳайвонлар касали); **ло́шадь с ~ом** жўткирув теккан от.

ЗАПАЛЁННЫЙ, -ая, -ое 1 *прич. от* **запали́ть** II; 2 *в знач. прил.* иссиқлатилган, қиздириб юборилган (от ҳақида).

ЗАПА́ЛИВАТЬ I *несов. см.* **запали́ть** I.

ЗАПА́ЛИВАТЬ II *несов. см.* **запали́ть** II.

ЗАПАЛИ́ТЬ I *сов.* (*несов.* **запа́ливать** I) *что прост.* ёндирмоқ, ўт қўймоқ (олдирмоқ), ёқиб юбормоқ, ёқиб (ёндириб) ташламоқ; **~ хво́рост** шох-шаббага ўт қўймоқ; шох-шаббани ёқиб (ёндириб) юбормоқ.

ЗАПАЛИ́ТЬ II *сов.* (*несов.* **запа́ливать II**) *кого-что* 1 *спец.* и *прост.* иссиқлаган (иссиқлаб келган) отга сув ичирмоқ (сув ичириб касал қилмоқ); 2 *спец.* иссиқлатиб (қиздириб) юбормоқ, силласини қуритмоқ, ичагини узмоқ (от ҳақида); **~ коне́й на ска́чках** пойгада отларни иссиқлатиб (қиздириб) юбормоқ.

ЗАПАЛИ́ТЬ III *сов. прост.* ота (ўқ уза) бошламоқ.

ЗАПАЛИ́ТЬСЯ, -и́тся *сов. спец.* иссиқлаб турганда сув ичиб касал бўлмоқ (от ҳақида).

ЗАПА́ЛЬНИК *м спец.* ўт олдиргич.

ЗАПА́ЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое ўт олдирадиган (олдирувчи).

ЗАПА́ЛЬЧИВЫЙ, -ая, -ое 1 тажанг, сержаҳл, аччиғи тез, забти тор, қизиққон, жиззаки; **~ челове́к** тажанг (забти тор) одам; 2 дарғазаб, ғазабли; **~ отве́т** дарғазаб жавоб.

ЗАПА́МЯТОВА/ТЬ *сов. разг.* эсдан чиқармоқ, унутмоқ; **~л, когда́ э́то случи́лось** бу (воқеа) қачон бўлганлигини унутибман.

ЗАПАНИБРА́ТА *нареч. разг.* бетакаллуф, такаллуфсиз, тортинмасдан, сенсирашиб; **быть** *с кем-л.* **~** бетакаллуф муомалада бўлмоқ, сенсирашиб гаплашмоқ.

ЗАПАНИБРА́ТСТВО *с разг.* бетакаллуфлик, сенсирашиш.

ЗАПАНИКОВАТЬ, -ку́ю, -ку́ешь *сов. прост.* ваҳимага (саросимага) тушмоқ, ваҳима қилмоқ.

ЗАПА́РИВАТЬ *несов. см.* **запа́рить.**

ЗАПА́РИВАТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **запа́риться**; 2 *страд. от* **запа́ривать.**

ЗАПА́РИТЬ *сов.* (*несов.* **запа́ривать**) 1 *что спец.* буғламоқ ёки қайноқ сув билан ишлов бермоқ (юмшатмоқ, майинлаштирмоқ; ивитмоқ); **~ зерно́** донни буғламоқ; **~ ткань** матани буғламоқ; 2 *кого-что разг.* буғлаб (ҳаммомда қиздириб) ўлдирмоқ (ёки ҳолсизлантирмоқ, дармондан кетказмоқ); 3 *кого-что разг.* чоптириб (чоптираверіб) иссиқлатиб юбормоқ, терга ботирмоқ, чарчатмоқ; **~ коня́** отни терга ботирмоқ.

ЗАПА́РИТЬСЯ *сов.* (*несов.* **запа́риваться**) 1 *разг.* буғланиб (ёки қайноқ сувда ишланиб) меъёрига етмоқ, тобига келмоқ; 2 *прост.* терга пишиб (ҳаммомда қизиб) ўлмоқ (ёки ҳолдан кетмоқ); 3 *прост.* иссиқлаб кетмоқ, терга ботмоқ, қаттиқ чарчамоқ, ҳолдан кетмоқ.

ЗАПА́РК/А *ж* 1 *по гл.* **запа́рить** 1; 2 *разг.* буғлама (буғлаб тайёрланган нарса); **корми́ть скот ~ой** молларга буғлама овқат бермоқ; 3 *прост.* шошма-шошарлик, шошиш, ҳайбаракаллага олиш, ҳайбаракаллачилик.

ЗАПА́РНИК *м спец.* буғлатгич; **~ кормо́в** ем-хашак буғлатгичи.

ЗАПА́РХИВАТЬ *несов. см.* **запорхну́ть.**

ЗАПА́РЫВАТЬ I *несов. см.* **запоро́ть** I.

ЗАПА́РЫВАТЬ II *несов. см.* **запоро́ть** II.

ЗАПА́С *м* 1 запас, қўр, қўр-қут, ғамлаб қўйилган нарса; **~ муки́** ун запаси; **~ боеприпа́сов** ўқ-дори запаси; **~ы исче́рпаны** запаслар (қўр-қутлар) тамом бўлди; 2 *чего* запас, хазина; **~ы ру́ды** руда запаслари; 3 *перен. чего* бойлик, хазина, кўлам; **~ зна́ний** билим хазинаси (кўлами); **~ слов** сўз бойлиги; 4 *разг.* запас (кийимда); **рукава́ с ~ом** запаси бор енг; **вы́пустить ~** запасни қўймоқ; 5 *воен.* запас; **уво́лить в ~** запасга чиқармоқ; **лейтена́нт ~а** запасдаги лейтенант; ✦ **про ~** эҳтиётдан, эҳтиёт (керагида ишлатиш) учун.

ЗАПАСА́ТЬ *несов. см.* **запасти́.**

ЗАПАСА́ТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **запасти́сь**; 2 *страд. от* **запаса́ть.**

ЗАПА́СКА *ж разг.* эҳтиёт механизм (аппарати ва б.).

ЗАПА́СЛИВЫЙ, -ая, -ое эҳтиёткор, эҳтиётли; **~ хозя́ин** эҳтиёткор хўжайин.

ЗАПА́СНИК *м* 1 *разг.* запасдаги ҳарбий хизматчи, солдат; 2 запасхона (музейнинг запасдаги экспонатлари сақланадиган жой).

ЗАПАСН/О́Й, -а́я, -о́е и **ЗАПА́СНЫЙ, -ая, -ое** 1 ғамлаб (қўр қилиб) қўйилган, эҳтиётдан олиб қўйилган, запасдаги, запас; эҳтиёт...; **~ы́е ча́сти** эҳтиёт (запас) қисмлар; **~о́й игро́к** запасдаги ўйинчи; 2 *воен.* запасдаги запас; **~о́й рядово́й соста́в** запасдаги оддий состав; 3 *в знач. сущ.* **~о́й** *м* запасдаги солдат; **призы́в ~ы́х** запасдагиларни чақириш.

ЗАПАСТИ́, -су́, -сёшь; -а́с, -сла́ *сов.* (*несов.* **запаса́ть**) *что* и *чего* ғамламоқ, запас қилмоқ, ғамлаб (запас, қўр қилиб, тайёрлаб) қўймоқ; **~ муки́** ун ғамлаб қўймоқ; **~ дров на́ зиму** қишга ўтин тайёрлаб қўймоқ.

ЗАПАСТИ́СЬ, -су́сь, -сёшься, -а́сся, -сла́сь *сов.* (*несов.* **запаса́ться**) *чем* ғамламоқ, ғамлаб (тайёрлаб, запас қилиб, ҳозирлаб) олмоқ; **~ тёплой оде́ждой** иссиқ кийим ҳозирлаб олмоқ; **~ на доро́гу проду́ктами** йўлга озиқ-овқат ғамлаб олмоқ; ✦ **~ терпе́нием** сабр (сабр-бардош, тоқат) қилмоқ, юракни кенг қилиб туриш (чидаш бермоқ).

ЗАПА́/СТЬ, -адёт *сов.* (*несов.* **запада́ть**) 1 ичига ботмоқ, тушмоқ, ботиб (тушиб) кетмоқ (қолмоқ); **кла́виши ~ли** клавишлар ичига тушиб кетибди; 2 ботмоқ, чўкмоқ, киртаймоқ, ичига кирмоқ, чуқур тушмоқ, ботиб (киртайиб) қолмоқ; **глаза́ ~ли** кўзлар(и) киртайиб қол(иб)ди; 3 *разг.* кириб қолмоқ; тушиб кетмоқ; **в проре́ху карма́на ~ла моне́та** чўнтакнинг йиртиғига танга кириб қол(иб)ди; 4 *перен.* қаттиқ таъсир қилмоқ, чуқур из қолдирмоқ; ўрнашмоқ; **его́ слова́ ~ли в ду́шу** унинг сўзлари қалбимда чуқур из қолдирди (ўрнашиб қолди).

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЗАПАТЕНТОВА́ТЬ, -ту́ю, -ту́ешь *сов. (несов.* **запатенто́вывать**) *что* патентламоқ, патент олмоқ; ~ **изобрете́ние** ихтиро учун патент олмоқ, ихтирони патентламоқ.

ЗАПАТЕНТО́ВЫВАТЬ *несоз. см.* **запатентова́ть.**

ЗА́ПАХ *м* ҳид, бўй; ~ **цвето́в** гулларнинг ҳиди; **прия́тный** ~ хушбўй ҳид.

ЗАПАХА́ТЬ I, -пашу́, -па́шешь *сов. (несов.* **запа́хивать** I) *что* **1** ҳайдамоқ, ҳайдаб қўймоқ, ҳайдаб ташламоқ (ерни); ~ **по́ле** далани ҳайдаб қўймоқ; 2 устидан (ер) ҳайдаб юбормоқ; ерни ҳайдаб бостирмоқ; ~ **навоз** гўнг устидан ер ҳайдаб юбормоқ; ерни ҳайдаб гўнгни бостирмоқ; **3** *разг.* ер ҳайдаб ўтиб кетмоқ, қўшиб ҳайдамоқ; ~ **сосе́дний клин** ерини ҳайдаб қўшни ерга ўтиб кетмоқ; қўшни ерни қўшиб ҳайдаб юбормоқ.

ЗАПАХА́ТЬ II, -пашу́, -па́шешь *сов. разг.* ерни ҳайдай бошламоқ, ҳайдашга киришмоқ; ~ **пе́рвым** биринчи бўлиб ерни ҳайдай бошламоқ; биринчи бўлиб ер ҳайдашга киришмоқ.

ЗАПА́ХИВАТЬ I *несов. см.* **запаха́ть** I.

ЗАПА́ХИВАТЬ II *несов. см.* **запахну́ть.**

ЗАПА́ХИВАТЬСЯ I *несов. страд. от* **запа́хивать** I.

ЗАПА́ХИВАТЬСЯ II *несов.* **1** *см.* **запахну́ться; 2** *страд. от* **запа́хивать** II.

ЗАПАХ/НУТЬ, -ну, -нешь; -а́х, -а́хла *сов.* ҳид чиқармоқ, ҳиди кела бошламоқ; **мя́сом** ~**ло** гўшт ҳиди кела бошлади; ~**ло горе́лым** жизғинак ҳиди келяпти.

ЗАПАХНУ́ТЬ *сов. (несов.* **запа́хивать** II) *что* **1** этакларини ўраб олмоқ; ~ **шу́бу** пўстиннинг этакларини ўраб олмоқ; 2 силтаб бекитмоқ; тортиб (тушириб, ёпиб) қўймоқ; ~ **што́ры** пардаларни силтаб ёпиб қўймоқ.

ЗАПАХНУ́ТЬСЯ *сов. (несов.* **запа́хиваться** II) **1** ўралмоқ, ўранмоқ, бурканмоқ, ўралиб (бурканиб) олмоқ; ~ **в шу́бу** пўстинга ўралиб олмоқ; *2* ўралмоқ, ёпилмоқ.

ЗАПА́ЧКАТЬ *сов. (несов.* **па́чкать**) *кого-что* **1** булғамоқ, кир (ифлос) қилмоқ, булғаб (кир, ифлос қилиб) қўймоқ, беламоқ; ~ **в грязи́ брю́ки** шимни лойга булғамоқ, шимини лой қилмоқ; 2 *перен.* бадном қилмоқ, номини булғамоқ, номига доғ туширмоқ (иснод келтирмоқ); иснодга қўймоқ; ~ **до́брое и́мя** пок номга доғ туширмоқ (иснод келтирмоқ); ~ **репута́цию** обрў(сини) тўкмоқ.

ЗАПА́ЧКАТЬСЯ *сов. (несов.* **па́чкаться**) булғанмоқ, кирланмоқ, ифлос (кир) бўлмоқ, беланмоқ; ~ **гря́зью** лойга беланмоқ.

ЗАПА́ШКА *ж* **1** *по гл.* **запаха́ть; тра́кторная** ~ ерни трактор билан ҳайдаш; 2 ҳайдалган ер; **дневна́я** ~ бир кунда ҳайдалган ер; 3 ҳайдаладиган (экиладиган) ер миқдори.

ЗАПА́ШНИК *м то же, что* **лущи́льник.**

ЗАПА́ЯТЬ *сов. (несов.* **запа́ивать** 1) *что* кавшарламоқ, қалайламоқ; кавшарлаб (қалайлаб) бекитмоқ, тузатмоқ; ~ **дыру́** тешикни кавшарлаб бекитмоқ; ~ **кастрю́лю** кастрюлькани кавшарлаб тузатмоқ.

ЗАПЕ́В *м* **1** сараҳбор (ашуланинг, қўшиқнинг боши, бошланиш қисми); 2 чўпчакнинг боши (бошлаш сўзлари).

ЗАПЕВА́Л/А *м* и *ж* **1** бошловчи, сарнақш, сараҳбор ижрочиси; **голоси́стый** ~**а** овози баланд бошловчи; 2 *перен.* бошловчи, ташаббускор; **комсомо́льцы — ~ы соревнова́ния** комсомоллар — мусобақа ташаббускорлари.

ЗАПЕВА́/ТЬ I *несов. что* и *без доп.* ашулани бошламоқ, бошлаб бермоқ, сараҳборни ижро этмоқ; **оди́н** ~**ет, други́е подхва́тывают** бири ашулани бошлаб беради, бошқалари қўшилишади.

ЗАПЕВА́ТЬ II *несов. см.* **запе́ть** I.

ЗАПЕ́ВКА *ж, р. мн.* **-вок** *нар. поэт. то же, что* **запе́в** 1.

ЗАПЕКА́НКА *ж, р. мн.* **-нок** запеканка (1 тоблама, тоблаб қизартириб пиширилган овқат; **карто́фельная** ~ картошка запеканкаси; 2 тоблама ичимлик; **вишнёвая** ~ олча запеканкаси).

ЗАПЕКА́ТЬ *несов. см* **запе́чь.**

ЗАПЕКА́ТЬСЯ, -а́ется *несов.* **1** *см.* **запе́чься; 2** *страд. от* **запека́ть.**

ЗАПЕЛЕНА́ТЬ *сов. (несов.* **пелена́ть**) *кого* йўргакламоқ, йўргаклаб олмоқ (қўймоқ); ~ **ребёнка** болани йўргакламоқ.

ЗАПЕЛЕНГОВА́ТЬ, -гу́ю, -гу́ешь *сов. (несов.* **пеленгова́ть**) *что спец.* пеленгламоқ; пеленглаб (пеленгатор билан) турган жойини аниқламоқ, тутмоқ; ~ **радиоста́нцию** радиостанцияни пеленгламоқ.

ЗАПЕ́НИ/ТЬ *сов. что* кўпиртирмоқ; кўпиклантирмоқ; **кора́бль** ~**л во́лны** кема тўлқинларни кўпиклантирди.

ЗАПЕ́НИ/ТЬСЯ, -ится *сов.* кўпиклана (кўпира) бошламоқ, кўпирмоқ, кўпириб кетмоқ; **пи́во** ~**лось** пиво кўпириб кетди; **мо́ре** ~**лось** денгиз кўпиклана бошлади.

ЗАПЕРЕ́ТЬ, -пру́, -прёшь; -за́пер, -ла́, -ло *сов. (несов.* **запира́ть**) **1** *что* қулфламоқ, қулфлаб қўймоқ; занжирламоқ; қулфлаб (ёки занжирлаб) бекитмоқ; ~ **дверь на ключ** эшикни калит билан қулфлаб бекитмоқ; ~ **кварти́ру** квартирани қулфлаб қўймоқ; 2 *кого-что* устидан қулфлаб (бекитиб, қамаб) қўймоқ; ~ **ко́шку в чула́не** мушукни қазноққа қамаб қўймоқ; 3 *перен. кого-что* қамал қилмоқ, қуршаб олмоқ; ~ **флот проти́вника** душман флотини қуршаб олмоқ.

ЗАПЕР/Е́ТЬСЯ, -пру́сь, -прёшься; запе́рся и за́перся, заперла́сь, заперло́сь и за́перлось *сов.* **1** (*несов.* **запира́ться**) ичидан занжирлаб (бекитиб, қулфлаб) олмоқ; ~**е́ться в ко́мнате** хонани ичидан бекитиб олмоқ; 2 (*несов.* **запира́ться**) қулфланмоқ, бекилмоқ, қулфланиб (бекилиб) қолмоқ; **дверь** ~**ла́сь** эшик қулфланиб қолди; **я́щик не** ~**ся** яшик бекилмади; 3 *см.* **запира́ться** 3.

ЗАПЕСТРЕ́/ТЬ, -е́ет *сов.* **1** ранг-баранг бўлиб кўринмоқ, кўзга чалинмоқ, товлана (жилвалана) бошламоқ; **на поля́х** ~**ли цветы́** далаларда гуллар ранг-баранг бўлиб товлана бошлади; 2 тез-тез кўрина бошламоқ; кўриниб (учраб) турмоқ; **и́мя геро́я** ~**ло в газе́тах** қаҳрамоннинг номи газеталарда тез-тез кўрина бошлади; **повсю́ду** ~**ли афи́ши** ҳамма ёқда афишалар кўрина бошлади; 3 *чем* ола-була тус олмоқ, ола-була тусга кирмоқ; **степь** ~**ла цвета́ми** гуллар очилиб, дашт ола-була тусга кирди.

ЗАПЕ́ТЬ I, -пою́, -поёшь *сов. (несов.* **запева́ть** II) айтавериб сийқасини чиқармоқ, жонга (меъдага) тегизмоқ.

ЗАПЕ́/ТЬ II, -пою́, -поёшь *сов.* **1** ашула (қўшиқ) айта бошламоқ, куйлай бошламоқ; **певе́ц** ~**л, и зал прити́х** ашулачи куйлай бошлади, зал жимиб қолди; **2** *перен. прост.* кунини кўрмоқ, байбайлаб қолмоқ, бошқача бўлиб (тушиб) қолмоқ; **ты у меня́ запоёшь!** ҳали қараб тур, байбайлаб қоларсан (кунингни кўрсатаман, ҳали)!

ЗАПЕЧА́ТАТЬ I *сов. (несов.* **запеча́тывать**) *что* **1** печать босмоқ; печатламоқ; ~ **паке́т сургуче́м** пакетни сургуч билан печатламоқ; 2 қулфлаб печатлаб қўймоқ; ~ **помеще́ние** хонани қулфлаб печатлаб қўймоқ; 3 бекитиб ёпиштирмоқ, ёпиштириб қўймоқ; ~ **письмо́** хатни конвертга солиб ёпиштириб қўймоқ.

ЗАПЕЧА́ТАТЬ II *сов. разг.* чоп қила (боса) бошламоқ.

ЗАПЕЧА́ТА/ТЬСЯ, -ается *сов. разг.* печатланмоқ, ёпишмоқ, ёпилмоқ; **конве́рт хорошо́** ~**лся** конверт яхши ёпишди (ёпилди).

ЗАПЕЧА́ТЛЕВАТЬ *несов. см.* **запечатле́ть.**

ЗАПЕЧА́ТЛЕВАТЬСЯ *несов.* **1** *см.* **запечатле́ться; 2** *страд. от* **запечатлева́ть.**

ЗАПЕЧА́ТЛЕ́ТЬ *сов. (несов.* **запечатлева́ть**) *кого-что книжн.* **1** тасвирламоқ, акс эттирмоқ, гавдалантирмоқ; тасвирлаб бормоқ, гавдалантириб кўрсатмоқ; ~ **собы́тие на карти́не** суратда воқеани акс эттирмоқ; **2** *в чём* дилга жо қилмоқ; ёдда тутмоқ, хотирада сақлаб қолмоқ; ~ **в па́мяти о́браз отца́** отасининг образини хотирада сақлаб қолмоқ; 3 нишонламоқ, қайд қилмоқ; ✠ ~ **поцелу́й** *на чём уст.* бўса олмоқ, ўпмоқ, ўпиб олмоқ.

ЗАПЕЧАТЛЕ́/ТЬСЯ *сов. (несов.* **запечатлева́ться**) *книжн.* **1** жо бўлмоқ, сақламоқ, сақланиб қолмоқ; ~**ться в па́мяти** хотирада сақланиб қолмоқ; ~**ться в душе́** дилга жо бўлмоқ, кўнгилда сақланиб қолмоқ; 2 акс этмоқ, гавдаланмоқ, ўз аксини (ифодасини) топмоқ; **на портре́те** ~**лась глубо́кая заду́мчивость неизве́стного** портретда номаълум зотнинг чуқур ўйчанлиги ўз аксини топган (гавдаланган).

ЗАПЕЧА́ТЫВАТЬ *несов. см.* **запеча́тать.**

ЗАПЕЧА́ТЫВАТЬСЯ *несов.* **1** *см.* **запеча́таться; 2** *страд. от* **запеча́тать.**

ЗАПЕ́ЧНЫЙ, -ая, -ое печка орқасидаги, печка орқасида бўлган (бўладиган).

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЗАПЕ́ЧЬ, -еку́, -ечёшь, -еку́т; -ёк, -екла́ *сов. (несов.* **запека́ть**) *что* 1 тоблаб (сингитиб, қизартириб) пиширмоқ; ~ **макаро́ны** макаронни қизартириб пиширмоқ; 2 ўраб пиширмоқ; ~ **я́блоко в те́сте** олмани хамирга ўраб пиширмоқ.

ЗАПЕ́/ЧЬСЯ, -ечётся, -еку́тся; -ёкся, -екла́сь *сов. (несов.* **запека́ться**) 1 тобланиб (сингиб, қизариб) пишмоқ; **макаро́ны ~кли́сь** макарон қизариб пишди; 2 қуюлмоқ, ивимоқ, лахталанмоқ; қуюлиб (ивиб, лахта-лахта бўлиб) қолмоқ; **кровь ~кла́сь** қон қуюлиб қолибди; 3 пўрсилламоқ, пўст ташламоқ, қуришиб (пўрсиллаб) ёрилмоқ; **гу́бы ~кли́сь** лаблар(и) қуришиб ёрилиб-ёрилиб кет(иб)ди.

ЗАПИВА́ТЬ I *несов. см.* **запи́ть I.**

ЗАПИВА́ТЬ II *несов.* 1 *см.* **запи́ть II**; 2 *разг.* бир ичса (оғзига тегса) ичавермоқ, босиб-босиб ичиб турмоқ.

ЗАПИ́ЛИВАТЬ *несов. см.* **запили́ть.**

ЗАПИЛИ́ТЬ, -илю́, -и́лишь *сов.* (*несов.* **запи́ливать**) *что* 1 сал (андак) арраламоқ, бироз арралаб қўймоқ; ~ **до́ску** тахтани сал арраламоқ; 2 эговлаб олмоқ (қўймоқ, ташламоқ); ~ **кро́мку** қиррасини эговлаб ташламоқ.

ЗАПИ́НАТЬ *сов. кого-что разг.* 1 тепкиламоқ, тепкилаб ташламоқ, тепкилаб ўлдирмоқ; ~ **до́ смерти** тепкилаб ўлдирмоқ; 2 тепиб (тепкилаб) киргизмоқ, тепиб киритмоқ (ёки туширмоқ); ~ **мяч в лу́нку** тўпни тепиб чуқурчага туширмоқ.

ЗАПИ́НАТЬСЯ *несов. см.* **запну́ться.**

ЗАПИ́НК/А *ж, р. мн.* **-нок** *разг.* гап тополмай тутилиш, тутилиб қолиш; **отве́тить уро́к без ~и** дарсда тутилмасдан жавоб бермоқ.

ЗАПИРАТЕ́ЛЬСТВО *с* тониш, инкор қилиш, иқрор бўлмаслик, бўйнига олмай (тониб) туриб олиш.

ЗАПИРА́ТЬ *несов. см.* **запере́ть.**

ЗАПИРА/ТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **запере́ться** 1, 2; 2 *страд. от* **запира́ть**; 3 (*сов.* **запере́ться** 3) *разг.* тонмоқ, бўйнига олмай (тониб) туриб олмоқ, иқрор бўлмаслик; **отвеча́йте, не ~йтесь!** тонмасдан жавоб бераверинг!

ЗАПИСА́ТЬ, -ишу́, -и́шешь *сов.* (*несов.* **запи́сывать**) 1 *что* ёзмоқ, ёзиб олмоқ (қўймоқ), қайд қилмоқ; ~ **докла́д** докладни ёзиб қўймоқ; ~ **а́дрес** адресни ёзиб олмоқ; 2 *кого-что* ёзмоқ, ёзиб олмоқ (лентага, пластинкага); ~ **конце́рт** концертни ёзиб олмоқ; 3 *кого-что* ёзиб олмоқ, рўйхатга олиб (ёзиб) қўймоқ; ~ **на приём** қабулга ёзиб қўймоқ; 4 *что разг.* ёзиб ташламоқ, ёзув билан тўлдирмоқ; ~ **всю тетра́дь** дафтарни тўлдирмоқ.

ЗАПИСА́ТЬСЯ, -ишу́сь, -и́шешься *сов.* 1 (*несов.* **запи́сываться**) ёзилмоқ, ёзилиб қўймоқ; рўйхатга ўтмоқ; ~ **на приём к врачу́** врач қабулига ёзилмоқ (ёзилиб қўймоқ); ~ **добровóльцем** кўнгилли бўлиб ёзилмоқ; 2 *разг.* ёзилмоқ, аъзо бўлмоқ, сафига қўшилмоқ; ~ **в библиоте́ку** кутубхонага ёзилмоқ (аъзо бўлмоқ); ~ **в старики́** мўйсафидлар қаторига қўшилмоқ; 3 *разг.* кўп ёзавермоқ, ёзишга берилиб (қизиқиб) кетмоқ; ёзаверибчарчамоқ; ~ **до утра́** қизиқиб кетиб эрталабгача ёзмоқ; **Записа́лся, ше́я боли́т** (Станкевич) Ёзишга қизиқиб кетиб, бўйним оғриб қолибди.

ЗАПИ́СК/А *ж, р. мн.* **-сок** 1 кичкина мактуб, хат, записка; **получи́ть ~у** кичкина хат олмоқ; 2 расмий маълумот, хат, записка; **объясни́тельная ~а** тушунтириш хати; **служе́бная ~а** хизмат юзасидан ёзилган маълумот; 3 *мн.* **~и** хотира дафтаридаги ёзувлар, хотиралар, эсдаликлар; 4 *мн.* **~и** ахборот (баъзи илмий журналлар номи); **учёные ~и университе́та** университетнинг илмий ахборотлари.

ЗАПИСНО́Й I, -а́я, -о́е ёзув (ёзиш) учун белгиланган; ёзув...; **~а́я кни́жка** ёзув дафтари; хотира (қўйин, ён) дафтари.

ЗАПИСНО́Й II, -а́я, -о́е *разг.* ашадди, ўтакетган, учига чиққан; ғирт; ~ **театра́л** ашадди театр ишқибози; ~ **игро́к** учига чиққан қиморбоз; ~ **ло́дырь** ўтакетган ялқов, ғирт дангаса.

ЗАПИ́СЫВАТЬ *несов. см.* **записа́ть.**

ЗАПИ́СЫВАТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **записа́ться**; 2 *страд. от* **запи́сывать.**

ЗАПИС/Ь *ж* 1 *по гл.* **записа́ть** 1—3; 2 ёзув, қайд, хотира; **~и ле́кции** лекция ёзувлари, ёзиб олинган лекция; **тетра́дь с ~ями** ёзувли (хотира ва ш. к. ёзилган) дафтар, 3 *уст.* баъзи расмий ҳужжатлар номи; **да́рственная ~ь** ҳадянома.

ЗАПИ́ТЬ I, -пью́, -пьёшь *сов.* (*несов.* **запива́ть I**) *что чем* устидан ичмоқ, устидан ичиб (ютиб) юбормоқ; бостириқ қилмоқ; ~ **лека́рство водо́й** дорининг устидан сув ичмоқ.

ЗАПИ́ТЬ II, -пью́, -пьёшь *сов.* (*несов.* **запива́ть II**) *разг.* ичкиликка ружу қилмоқ (берилмоқ), сурункасига ича бошламоқ, босим ичмоқ, майзада бўлиб қолмоқ.

ЗАПИХА́ТЬ *сов.* (*несов.* **запи́хивать**) *что разг.* тиқиб қўймоқ, тиқиштириб ташламоқ; ~ **бума́ги в я́щик стола́** қоғозларни стол тортмасига тиқиб қўймоқ (тиқиштириб ташламоқ).

ЗАПИ́ХИВАТЬ *несов. см.* **запиха́ть.**

ЗАПЛА́КАННЫЙ, -ая, -ое йиғидан қизарган, йиғлайвериб шишиб кетган; йиғили; **~ые глаза́** йиғидан қизарган (йиғили) кўзлар; **~ое лицо́** йиғлайвериб шишиб кетган юз.

ЗАПЛА́КАТЬ, -а́чу, -а́чешь *сов.* йиғлай бошламоқ, йиғлаб юбормоқ; ~ **от оби́ды** аламдан йиғлаб юбормоқ.

ЗАПЛАНЕ́ТНЫЙ, -ая, -ое планетадан ташқаридаги, планетадан ташқарида бўлган (бўладиган); **~ое простра́нство** планетадан ташқаридаги фазо.

ЗАПЛАНИ́РОВАТЬ *сов* (*несов.* **плани́ровать I**) *что* 1 планлаштирмоқ, планлаштириб қўймоқ, планга киритмоқ, планини тузмоқ; ~ **строи́тельство шко́лы** мактаб қурилишини планлаштирмоқ; 2 *разг.* планлаштирмоқ, мўлжаллаб (режа тузиб) қўймоқ, кўзда тутмоқ; ~ **пое́здку на куро́рт** курортга боришни мўлжаллаб қўймоқ.

ЗАПЛА́Т/А *ж* ямоқ; **поста́вить ~у** ямоқ солмоқ.

ЗАПЛАТИ́ТЬ, -ачу́, -а́тишь *сов.* (*несов.* **плати́ть**) 1 *что* и *без доп.* тўламоқ, пулини (ҳақини) бермоқ, тўлаб қўймоқ; ~ **за поку́пки** харид қилинган нарсаларнинг пулини тўламоқ; ~ **долг** қарзни тўламоқ; 2 *чем* бермоқ, фидо (қурбон) қилмоқ, қаримта қайтармоқ; ~ **жи́знью** жонини фидо қилмоқ; **Ро́дина запла́тит бессме́ртьем тем, кто отда́ст ей жизнь на по́ле бо́я** (Леонов) Ватан жанг майдонида жонини қурбон қилганларнинг номини абадийлаштириш билан қаримта қайтаради.

ЗАПЛЕВА́ТЬ, -люю́, -люёшь *сов.* (*несов.* **заплёвывать**) *кого-что* тупуриб булғатмоқ, ҳамма ёғига туфлаб ташламоқ, тупуриб ифлос қилмоқ; ~ **пол** тупуриб полни ифлос қилмоқ.

ЗАПЛЁВЫВАТЬ *несов. см.* **заплева́ть.**

ЗАПЛЕСКА́ТЬ I, -ещу́, -е́щешь и *разг.* **-а́ю, -а́ешь** *сов.* (*несов.* **заплёскивать I**) *кого-что разг.* чайқатиб (ёки шапиллатиб) сепмоқ, сачратмоқ, тўкмоқ; ~ **пол** чайқатиб полга сув тўкмоқ; ~ *кого-л.* **водо́й** бировга сув сепмоқ.

ЗАПЛЕСКА́ТЬ II, -ещу́, -е́щешь и *разг.* **-а́ю, -а́ешь** *сов.* чайқата (шапиллата) бошламоқ.

ЗАПЛЕСКА́ТЬСЯ, -ещу́сь, -е́щешься и *разг.* **-а́юсь, -а́ешься** *сов. разг.* чайқала бошламоқ, чайқалиб кетмоқ.

ЗАПЛЁСКИВАТЬ I *несов. см.* **заплеска́ть I.**

ЗАПЛЁСКИВАТЬ II *несов. см.* **заплесну́ть.**

ЗАПЛЕСКИВА́ТЬСЯ I, -ается *несов. страд. от* **заплеска́ть I.**

ЗАПЛЁСКИВАТЬСЯ II, -ается *несов.* 1 *см.* **заплеска́ться**; 2 *страд. от* **заплёскивать II.**

ЗАПЛЕСНЕВЕ́ЛЫЙ, -ая, -ое моғорлаган, моғор (пўпанак) босган, пих боғлаган; ~ **хлеб** моғорлаган нон.

ЗАПЛЕ́СНЕВЕ/ТЬ, -еет *сов.* (*несов.* **плёсневеть**) моғорламоқ; моғор (пўпанак) босмоқ, моғорлаб қолмоқ (кетмоқ); пих боғламоқ; **сыр ~л** пишлоқ моғорлаб кетибди.

ЗАПЛЕСНУ́/ТЬ *сов.* (*несов.* **заплёскивать II**) 1 *кого-что разг.* чайқалиб (тўлқинланиб) сочилмоқ, босмоқ, устига чиқиб кетмоқ; **волна́ ~ла ло́дку** тўлқин қайиқни босиб кетди (қайиқнинг устига чиқиб кетди); 2 *то же, что* **заплесну́ться.**

ЗАПЛЕСНУ́ТЬСЯ, -нётся *разг.* чайқалиб бирор ерга етмоқ, кўтарилмоқ, урилмоқ.

ЗАПЛЕСТИ́ I, -ету́, -етёшь *сов.* (*несов.* **заплета́ть**) *что* 1 ўрмоқ, эшмоқ, ўриб (эшиб) қўймоқ; ~ **во́лосы** сочни ўриб қўймоқ; ~ **ко́сы** кокилларни ўриб қўймоқ; 2 тўқимоқ, тўқиб ясамоқ; ~ **корзи́ну** сават тўқимоқ; 3 ўраб (чирмаб)

www.ziyouz.com kutubxonasi

олмоқ; **ўралиб (чирмашиб) чиқмоқ**; **хмель заплёл всю и́згородь** хмель бутун тўсиқни қоплаб олди.

ЗАПЛЕСТИ́ II, -плету́, -плетёшь *сов.* ўрай (тўқий) бошламоқ.

ЗАПЛЕСТИ́СЬ, -плетётся *сов. см.* **заплета́ться** 1, 2.

ЗАПЛЕТА́ТЬ *несов. см.* **заплести́** I.

ЗАПЛЕТА́/ТЬСЯ, -а́ется *несов. разг.* 1 *(сов.* **заплести́сь)** аранг (зўрға) юрмоқ, судралиб қадам босмоқ; зўрға қимирламоқ; чалишмоқ; **но́ги ~ются от уста́лости** чарчаганидан оёқлари чалишиб кетяпти; 2 *(сов.* **заплести́сь)** тили тутилмоқ (айланмай қолмоқ), тутилмоқ, адашмоқ; **так пьян, что язы́к ~ется** шунчалик мастки, тили айланмай қолаяпти; 3 *страд. от* **заплета́ть**.

ЗАПЛЕ́ЧНЫЙ, -ая, -ое орқага осадиган (осиб юрадиган); **~ мешо́к** орқага осиб юрадиган халта; ✦ **~ ма́стер или запле́чных дел ма́стер** *уст.* жаллод.

ЗАПЛЕ́ЧЬЕ *с, р. мн.* **-чий** *разг.* 1 курак, яғрин; 2 елкага юк олиб юриладиган мослама.

ЗАПЛОМБИРОВА́ТЬ, -ру́ю, -ру́ешь *сов.* (*несов.* **запломбиро́вывать**) *что* 1 пломбаламоқ, пломба қўймоқ; **~ зуб** тишни пломбаламоқ; тишга пломба қўймоқ; 2 пломбаламоқ, пломбалаб қўймоқ, пломбалаб бекитмоқ; **~ това́р** молни пломбалаб қўймоқ.

ЗАПЛОМБИРО́ВЫВАТЬ *несов. см.* **запломбирова́ть.**

ЗАПЛУТА́ТЬ *сов. прост. то же, что* **заплута́ться.**

ЗАПЛУТА́ТЬСЯ *сов. прост.* адашмоқ, адашиб қолмоқ, йўлини йўқотмоқ, йўлдан озмоқ; **~ в лесу́** ўрмонда адашиб қолмоқ.

ЗАПЛЫВ *м* сузиш (бир маррага); **~ бра́ссом на сто ме́тров** брасс усули билан юз метрга сузиш; **~ на байда́рках** байдаркаларда сузиш.

ЗАПЛЫВА́ТЬ I *несов. см.* **заплы́ть** I.

ЗАПЛЫВА́ТЬ II *несов. см.* **заплы́ть** II.

ЗАПЛЫ́ТЬ I, -ыву́, -ывёшь *сов.* (*несов.* **заплыва́ть** I) сузиб бормоқ, сузиб бориб етмоқ; **~ в камыши́** қамишлар орасига сузиб бормоқ; сузиб бориб қамишлар орасига кирмоқ; **~ на середи́ну реки́** дарёнинг ўртасига сузиб бормоқ; **~ далеко́** узоққа сузиб бормоқ (кетмоқ).

ЗАПЛЫ́/ТЬ II, -ыву́, -ывёшь *сов.* (*несов.* **заплыва́ть** II) 1 қаппаймоқ, кўтарилмоқ (суюқ ёки эриб оқувчи нарса тўпланишидан); **све́ча ~ла́** шам эриб оқиб қаппайди; 2 семиришдан (ёки шишдан) кичраймоқ, тораймоқ (кўз ҳақида); **глаза́ ~ли** юзи семириб (ёки шишиб) кўзлари торайди; 3 семирмоқ, ёғ босмоқ, семириб (ёғ босиб) кетмоқ; **~ть жи́ром** ёғ (мой) босмоқ.

ЗАПЛЯСА́ТЬ, -яшу́, -я́шешь *сов.* ўйинга (рақсга) тушиб кетмоқ, ўйнай бошламоқ.

ЗАПНУ́ТЬСЯ *сов.* (*несов.* **запина́ться**) 1 қоқилиб кетмоқ (тушмоқ); қоқилиб мункиб кетмоқ, қоқилиб кетиб йиқилмоқ; **~ о поро́г** остонага қоқилиб кетмоқ; остонага қоқилиб йиқилмоқ; 2 *перен.* тутилиб (ёки тўхтаб) қолмоқ, тили ганга келмай қолмоқ; **~ на пе́рвом же сло́ве** оғиз очиши биланоқ тутилиб қолмоқ.

ЗАПОВЕ́ДА/ТЬ *сов.* (*несов.* **заповедовать**) *что высок.* васият (насиҳат) қилмоқ, маслаҳат бермоқ; **— Возде́лывать зе́млю... нам ~ но** (М. Горький)— Бизга ер ишлаш (экиш)... васият қилинган.

ЗАПОВЕ́ДНИК *м* қўриқхона, заповедник; **ры́бный ~** балиқлар қўриқхонаси.

ЗАПОВЕ́ДН/ЫЙ, -ая, -ое 1 тақиқланган, ман қилинган, дахлсиз, қўриқхонага айлантирилган; **~ый лес** дахлсиз ўрмон; **~ая зо́на** қўриқхонага айлантирилган зона; қўриқхона зонаси; 2 сир сақланадиган, махфий тутиладиган, яширин, махфий, юракдаги, дилдаги, ичдаги; **~ые мы́сли** дилдаги (сир сақланадиган) фикрлар; 3 қимматли, азиз, мўътабар; **~ый дом** мўътабар уй.

ЗАПОВЕ́ДОВАТЬ *несов. см.* **заповеда́ть.**

ЗАПОВЕДЬ *ж* 1 динда (диний китобларда) буюрилган нарса, дин амри; **библе́йская ~** библияда буюрилган нарса; 2 *перен. высок.* қатъий қоида, муқаддас бурч, вазифа; топшириқ; **пе́рвая ~** энг биринчи (асосий) вазифа.

ЗАПОДЛИЦО́ *нареч. спец.* бир текисда, бир текис (баравар) қилиб.

ЗАПОДО́ЗРИВАТЬ и ЗАПОДАЗРИВАТЬ *несов. см.* **заподо́зрить.**

ЗАПОДО́ЗРИТЬ *сов.* (*несов.* **заподо́зривать**) 1 *кого в чём* шубҳалана (гумон қила) бошламоқ; шубҳаланмоқ, шубҳа (гумон) қилмоқ; гумонсирамоқ; айбдор **деб** билмоқ; **~ в кра́же** ўғирлаган деб гумон қилмоқ; 2 *что* ўйлай бошламоқ; ўйламоқ; хаёлга бормоқ; **~ обма́н** алдади (алдаяпти) деб ўйламоқ; **~ нела́дное** кор-ҳол бўлди (ёки бирор ёмон ният бор ва ҳ. к.) деган хаёлга бормоқ; 3 *что* шубҳаланмоқ, шубҳа остига олмоқ, шубҳа қилмоқ; **~ *чью-н.* правди́вость** бировнинг ҳақлигини (ёки ростгўйлигини) шубҳа остига олмоқ.

ЗАПОЕ́М *нареч.* 1: **пить ~** бир ичса (оғизга тегса) ичавермоқ, босим ича бошламоқ; 2 *перен. разг.* тўхтовсиз, тўхтамасдан, кетини узмасдан, бош кўтармасдан, сурункасига, босим, кўп; **чита́ть ~** бош кўтармай (босим) ўқимоқ.

ЗАПОЗДА́Л/ЫЙ, -ая, -ое *разг.* кечиккан, кечикиб келган (қолган), вақти ўтган, кейинда қолган; кеч; **~ая весна́** кеч келган баҳор; **~ая по́мощь** кечиккан ёрдам.

ЗАПОЗДА́НИЕ *с* кечикиш, кечикиб қолиш (келиш); **прийти́ с большим ~м** жуда кечикиб келмоқ.

ЗАПОЗДА́/ТЬ *сов.* (*несов.* **запа́здывать**) 1 кечикмоқ, кечикиб келмоқ (қолмоқ); **по́езд ~л** поезд кечикди (кечикиб келди); 2 *с чем и с неопр.* кечикмоқ, улгурмай қолмоқ, кечиктириб (вақтидан ўтказиб) юбормоқ; **~ть с упла́той** тўловни кечиктириб юбормоқ, кеч тўламоқ; **~ть отве́тить** кечикиб жавоб бермоқ.

ЗАПО́/Й *м* бир ичса (оғизга тегса) ичавериш, сурункасига (тўхтовсиз, кетини узмай) ичиш, босим майхўрлик қилиш, майзадалик; **страда́ть ~ем** майзадалик касалига гирифтор бўлмоқ; майзада бўлиб қолмоқ.

ЗАПО́ЙНЫЙ, -ая, -ое 1 майзадалик (сурункасига ичиш) оқибатидаги; ичаверишдан бўлган; **~ отёк** сурункасига ичиш оқибатида шишиб кетиш; 2 кўп (босим, сурункасига) ичадиган; майзада бўлиб қолган; **~ пья́ница** майзада бўлиб қолган пиёниста.

ЗАПОЛА́СКИВАТЬ *несов. см.* **заполоска́ть** и **заполосну́ть.**

ЗАПОЛЗА́ТЬ *несов. см.* **заползти́.**

ЗАПОЛЗ/ТИ́, -зу́, -зёшь; -о́лз -олзла́ *сов.* (*несов.* **заполза́ть**) ўрмалаб (судралиб, эмаклаб) кирмоқ (кириб кетмоқ); ўрмалаб чиқмоқ; **~ти́ под дива́н** диван тагига ўрмалаб кириб кетмоқ; **змея́ ~ла́ в дом** уйга илон кириб қолибди.

ЗАПОЛНЕ́НИЕ *с по гл.* **запо́лнить** и **запо́лниться; ~ анке́ты** анкета тўлдириш (тўлғазиш); **~ водохрани́лища** сув омборини тўлдириш; сув омборининг тўлиши.

ЗАПОЛНИ́ТЕЛ/Ь *м спец.* тўлдиргич (тўлдирувчи материал, модда); **~и для бето́нов** бетон тўлдиргичлари (қум, шағал, тош).

ЗАПОЛНИ́ТЬ *сов.* (*несов.* **заполня́ть**) *что* 1 тўлдирмоқ, тўлғазмоқ, банд қилмоқ; **~ бензоба́к** бензин бакини тўлдирмоқ; **зри́тели до отка́за запо́лнили зал** томошабинлар зални лиқ тўлдирди, зал томошабинлар билан лиқ тўлди; **~ вре́мя рабо́той** вақтни иш билан банд қилмоқ; 2 тўлдирмоқ, тўлғазмоқ; **~ анке́ту** анкета(ни) тўлдирмоқ.

ЗАПО́ЛНИ/ТЬСЯ, -ится *сов.* (*несов.* **заполня́ться**) **тўлмоқ**, тўлиб кетмоқ; **пло́щадь ~лась наро́дом** майдон халққа (одамга) тўлиб кетди.

ЗАПОЛНЯ́ТЬ *несов. см.* **запо́лнить.**

ЗАПОЛНЯ́ТЬСЯ, -я́ется *несов.* 1 *см.* **запо́лниться; 2** *страд. от* **заполня́ть.**

ЗАПОЛОНИ́/ТЬ *сов.* (*несов.* **заполоня́ть**) 1 *кого уст.* асир қилмоқ, асирга олмоқ, туширмоқ; 2 *что разг.* тўлдирмоқ, эгалламоқ, босиб кетмоқ; **толпа́ ~ла всю у́лицу** кўчани оломон босиб кетди.

ЗАПОЛОНЯ́ТЬ *несов. см.* **заполони́ть.**

ЗАПОЛОСКА́ТЬ *сов.* (*несов.* **заполаскивать**) *то же, что* **заполосну́ть.**

ЗАПОЛОСНУ́ТЬ *сов.* (*несов.* **заполаскивать**) *что прост.* чаймоқ, чайиб олмоқ (қўймоқ), чайиб ташламоқ, чайиб ювмоқ; **~ пелёнку** пелёнкани чайиб ташламоқ.

ЗАПОЛУЧА́ТЬ *несов. см.* **заполучи́ть.**

ЗАПОЛУЧИ́ТЬ, -учу́, -у́чишь *сов.* (*несов.* **заполуча́ть**) *кого-что прост.* зўрға (аранг) олмоқ, қидириб (излаб) топ-

www.ziyouz.com kutubxonasi

моқ, қўлга киритмоқ; ~ **ну́жную кни́гу** керакли китобни аранг олмоқ; ~ **грипп** грипп юқтириб олмоқ.

ЗАПОЛЯ́РНЫЙ, -ая, -ое қутб доирасидан наридаги (нари); ~ **го́род** қутб доирасидан наридаги (нари) шаҳар.

ЗАПОЛЯ́РЬЕ *с* Заполярье (қутб доирасидан нари ерлар).

ЗАПОМИНА́НИЕ *с по гл.* **запо́мнить; механи́ческое** ~ тушунмасдан ёдлаб олиш; ~**дат** саналарни ёдда сақлаш.

ЗАПОМИНА́ТЬ *несов. см.* **запо́мнить** I.

ЗАПОМИНА́ТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **запо́мниться**; 2 *страд. от* **запомина́ть.**

ЗАПОМИНА́ЮЩ/ИЙ, -ая, -ее: ~ **ее устро́йство** хотирловчи (эслаб қолувчи) қурилма.

ЗАПО́МНИТЬ I *сов.* (*несов.* **запомина́ть**) *кого-что* ёдда сақламоқ, эсда тутмоқ, хотирада сақлаб қолмоқ; ёдлаб олмоқ; ~ **стихи́** шеърларни ёдлаб олмоқ; ~ **своего́ спу́тника** ҳамроҳини хотирада сақлаб қолмоқ.

ЗАПО́МН/ИТЬ II *несов. разг.:* **не** ~**ить** *чего* эслай олмаслик; **таки́х моро́зов старожи́лы не** ~**ят** бундай қаҳратонни кексалар ҳам эслай олишмайди.

ЗАПО́МНИ/ТЬСЯ *сов.* (*несов.* **запомина́ться**) *кому* эсда (ёдда) қолмоқ, хотирада сақланмоқ; ~**ться на всю жизнь** бутун умр эсда қолмоқ; **хорошо́** ~**лись мне встре́чи с ветера́нами войны́** уруш ветеранлари билан учрашувлар жуда яхши ёдимда қолди.

ЗАПО́НК/А *ж, р. мн.* **-нок** запонка, илматугма; **золоты́е** ~**и** олтин запонка.

ЗАПО́Р I *м* 1 *разг. по гл.* **запере́ть**; 2 қулф; занжир, зулфин; тамба, тиргак; **дверь без** ~**а** қулфсиз (қулфи йўқ) эшик; ~ **ко́мпаса** компас қулфи; ✦ **быть на** ~**е** ёпиқ (берк) бўлмоқ, қулфлоғлиқ (ёки занжир, тамбаланган) бўлмоқ.

ЗАПО́Р II *м* ич қотиш, қабзият.

ЗАПОРА́ШИВАТЬ, -ает *несов. см.* **запороши́ть** I.

ЗАПО́РН/ЫЙ, -ая, -ое қулфга оид; қулфлайдиган; қулфлаш...; ~**ое устро́йство** қулфлаш қурилмаси.

ЗАПОРО́ЖЕЦ *м, р.* **-жца** *ист.* запорожьелик (Запорожье Сечи қазаги).

ЗАПОРО́ТЬ I, -орю́, -о́решь *сов.* (*несов.* **запа́рывать** I) *кого-что разг.* уриб (савалаб) ўлдирмоқ, ўласи қилиб урмоқ.

ЗАПОРО́/ТЬ II, -орю́, -о́решь *сов.* (*несов.* **запа́рывать** II) *прост.* 1 *кого* ёриб (чавақлаб) ташламоқ, қорнини ёриб ўлдирмоқ; **каба́н** ~**л соба́ку** қобон итни ёриб ташла(б)ди; 2 *что* бузмоқ, бузиб қўймоқ, брак қилмоқ, яроқсиз қилиб қўймоқ; ~**ть дета́ль** детални бузиб қўймоқ.

ЗАПОРО́Ш/ИТЬ I, -и́т *сов.* (*несов.* **запора́шивать**) *что* 1 юқагина бўлиб ўтирмоқ, қўнмоқ, босмоқ, қопламоқ; **снег** ~**л доро́гу** йўлни юқагина қор қатлами босди; йўлга юқагина қор қатлами ўтирди; 2 *прост.* тушмоқ, тўлдирмоқ (кўзга, қулоққа); **пы́лью** ~**ло глаза́** кўзга чанг тушди.

ЗАПОРО́Ш/ИТЬ II, -и́т *сов.* сийпалаб (майдалаб) ёға бошламоқ; ~**л снежо́к** қор сийпалаб ёға бошлади.

ЗАПОРХНУ́/ТЬ *сов.* (*несов.* **запа́рхивать**) *разг.* 1 пириллаб (пир этиб) учиб кирмоқ; **пти́ца** ~**ла в окно́** қуш деразадан пир этиб учиб кирди; 2 *перен.* пириллаб (пилдириб, зипиллаб) кирмоқ, учиб кириб кетмоқ; **де́вочка** ~**ла в зал** қиз залга учиб (зипиллаб) кириб кетди.

ЗАПОТЕВА́ТЬ *несов. см.* **запоте́ть.**

ЗАПОТЕ́ВШИ/Й, -ая, -ее 1 *прич. от* **запоте́ть**; 2 *в знач. прил. то же, что* **запоте́лый**; ~**е очки́** телчираган кўзойнак.

ЗАПОТЕ́Л/ЫЙ, -ая, -ое 1 *разг.* телчираган, тер (буғ) босган; ~**ое окно́** телчираган дераза; 2 *прост.* терлаган, терлаб кетган, тер босган, терга ботган, терли; ~**ая ло́шадь** тер босган (терга ботган) от.

ЗАПОТЕ́/ТЬ *сов.* (*несов.* **запотева́ть** и **поте́ть**) 1 телчирамоқ, тер (буғ) босмоқ, тер (буғ) билан қопланмоқ; **стёкла кабины́** ~**ли** кабина ойналари телчиради; 2 *прост.* терлаб кетмоқ, тер босмоқ, терга ботмоқ; **ло́шади** ~**ли** отлар терга ботиб кетди; ~**ть от волне́ния** ҳаяжондан тер босмоқ.

ЗАПО́ТЧЕВАТЬ *сов. кого разг. уст.* роса меҳмон қилмоқ; мулозамат қилиб чарчатмоқ.

ЗАПОЧИВА́ТЬ *сов. уст.* ухлаб қолмоқ, уйқуга кетмоқ.

ЗАПРАВИ́Л/А *м* и *ж прост.* корчалон, ишбоши, саркор; ~**ы кру́пного капита́ла** йирик капитал корчалонлари

ЗАПРА́ВИТЬ, -влю, -вишь *сов.* (*несов.* **заправля́ть**) *что* 1 киргизмоқ, тиқмоқ; киргизиб (тиқиб) қўймоқ; ~ **брю́ки в сапоги́** шимни (шимнинг почасини) этикка тиқиб қўймоқ; 2 заправка қилмоқ; қуймоқ, тўлатмоқ; қуйиб (тўлатиб) олмоқ; ҳозирламоқ, ҳозирлаб (тайёрлаб, тўғрилаб) қўймоқ; ~ **тра́ктор** тракторни заправка қилмоқ (унга бензин, мой, сув қуймоқ); ~ **керосино́вую ла́мпу** керосин чироқни тайёрлаб қўймоқ; ~ **шве́йную маши́ну** тикув машинасини тайёрлаб олмоқ (унга игна қўймоқ, ип солмоқ); 3 қўшмоқ, солмоқ; ~ **суп смета́ной** шўрвага сметана солмоқ (сметана солиб хушхўр қилмоқ); ✦ ~ **ко́йку** (или **крова́ть**) койкани (каравотни) тўғрилаб қўймоқ.

ЗАПРА́ВИТЬСЯ, -влюсь, -вишься *сов.* (*несов.* **заправля́ться**) 1 заправка қилиб (қуйиб) олмоқ; ~ **бензи́ном** (машинасига) бензин қуйиб олмоқ; 2 *прост.* қорнини тўйдириб (тўйғазиб) олмоқ, тўйиб (овқатланиб) олмоқ; ~ **на доро́гу** йўлга овқатланиб (қоринни тўйдириб) олмоқ.

ЗАПРА́ВКА *ж* 1 *по гл.* **запра́вить** и **запра́виться**; 2 *разг.* овқатни хушхўр қиладиган нарсалар; зиравор; ~ **для сала́тов** салатларга қўшиладиган нарсалар, зираворлар.

ЗАПРАВЛЯ́/ТЬ *несов.* 1 *см.* **запра́вить**; 2 *чем прост.* бошқармоқ, идора (бошчилик) қилмоқ, бош (бош-қош) бўлмоқ; **в до́ме всем** ~**ет ба́бушка** уйда барча ишга бувимиз бошчилик қилади; уйда ҳамма ишга бувимиз бош-қош.

ЗАПРАВЛЯ́ТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **запра́виться**; 2 *страд. от* **заправля́ть** I.

ЗАПРА́ВОЧН/ЫЙ, -ая, -ое заправка қиладиган, заправка...; ~**ая ста́нция** заправка станцияси; ~**ая колóнка** заправка колонкаси; ~**ые материа́лы** заправка материаллари (бензин, мой ва ҳ. к.).

ЗАПРА́ВСКИЙ, -ая, -ое *разг.* чинакам, ҳақиқий, чин, асл; ~ **игро́к** чинакам ўйинчи; ~ **охо́тник** ҳақиқий овчи.

ЗАПРА́ВЩИК *м* 1 заправкачи; ~ **автоба́зы** автобаза заправкачиси; 2 заправкачи машина; **самолёт-**~ заправкачи самолёт.

ЗАПРА́ВЩИЦА *ж см.* **запра́вщик** 1.

ЗАПРА́ШИВАТЬ *несов. см.* **запроси́ть.**

ЗАПРЕВА́ТЬ, -а́ет *несов. см.* **запре́ть.**

ЗАПРЕ́Т *м* 1 *по гл.* **запрети́ть**; 2 тақиқ, ман, мамну, қатағон; **наложи́ть** ~ тақиқ қилмоқ, тақиқлаб қўймоқ; қатағон қилмоқ; **снять** ~ тақиқни бекор қилмоқ; ✦ **находи́ться** (или **быть**) **под** ~**ом** тақиқ остида бўлмоқ, тақиқланган (тақиқлаб қўйилган, мамну) бўлмоқ.

ЗАТОВА́РИ/ТЬСЯ *сов.* (*несов.* **затова́риваться**) *спец.* 1 керагидан ортиқ мол (товар) тўпламоқ, босиб қўймоқ; 2 босилиб (тўпланиб) қолмоқ; **зерно́ ~лось** ғалла босилиб (тўпланиб) қолди.

ЗАТОЛКА́/ТЬ I *сов.* (*несов.* **зата́лкивать**) 1 *кого-что* итариб (туртиб, итариб-итариб) киргизмоқ; **~ть маши́ну в гара́ж** машинани итариб (итариб-итариб) гаражга киргизмоқ; 2 *что разг.* тиқмоқ, тиқиб ташламоқ, тиқиштирмоқ; **~ть ве́щи в мешо́к** нарсаларни қопга тиқмоқ; 3 *кого* итаравериб (туртқилайверіб) ҳолдан тойдирмоқ, чарчатмоқ; **же́нщину ~ли в толпе́** аёл кишини оломон ичида туртқилайверіб ҳолдан тойдиришди.

ЗАТОЛКА́ТЬ II *сов.* итара (турта) бошламоқ.

ЗАТОЛКНУ́ТЬ *сов.* (*несов.* **зата́лкивать**) *кого-что разг.* итариб киргизмоқ; итариб киргизиб (тиқиб) қўймоқ.

ЗАТО́Н *м* 1 дарё қўлтиғи (дарёнинг қирғоққа чуқур кирган ҳалқаси); 2 *спец.* затон (дарё кемалари турадиган ва ремонт қилинадиган жой).

ЗАТОНУ́/ТЬ *сов.* чўкиб (ботиб) кетмоқ, чўкмоқ, ботмоқ, ғарқ бўлмоқ; **кора́бль ~л** кема чўкиб кетди (ғарқ бўлди).

ЗАТОПИ́ТЬ I, -оплю́, -о́пишь *сов.* (*несов.* **зата́пливать** I и **затопля́ть** I) *что* ёқмоқ, олов қилмоқ; **~ пе́чку** печкани ёқмоқ, печкага олов қилмоқ.

ЗАТОПИ́/ТЬ II *сов.* (*несов.* **зата́пливать** II и **затопля́ть** II) 1 сув бостирмоқ, сув тоширмоқ; **~ло луга́ в по́ймах** дарё ёқасидаги ўтзорларни сув босиб кетди; 2 чўктирмоқ, ботирмоқ, ғарқ қилмоқ; **~ть суда́** кемаларни чўктирмоқ.

ЗАТОПИ́ТЬ III *сов* ёқа бошламоқ.

ЗАТОПИ́/ТЬСЯ I, -о́пится *сов.* (*несов.* **зата́пливаться** I и **затопля́ться** I) ёқилмоқ, ёна бошламоқ, ёниб (гуриллаб) кетмоқ; **печь ~лась** печ ёқилди.

ЗАТОПИ́/ТЬСЯ II, -о́пится *сов.* (*несов.* **зата́пливаться** II и **затопля́ться** II) сув остида қолмоқ, сув босмоқ; **берега́ ~лись во вре́мя разли́ва** тошқин вақтида соҳилларни сув босиб кетди.

ЗАТОПЛЯ́ТЬ I *несов. прост. см.* **затопи́ть** I.

ЗАТОПЛЯ́ТЬ II *несов. см.* **затопи́ть** II.

ЗАТОПЛЯ́ТЬСЯ I, -я́ется *несов. прост.* 1 *см.* **затопи́ться** I; 2 *страд. от* **затопля́ть** I.

ЗАТОПЛЯ́ТЬСЯ II, -я́ется *несов.* 1 *см.* **затопи́ться** II; 2 *страд. от* **затопля́ть** II.

ЗАТОПТА́ТЬ, -опчу́, -о́пчешь *сов.* (*несов.* **зата́птывать**) 1 *что* босиб ташламоқ, босиб-янчиб кетмоқ, пайҳон қилмоқ; **~ цветни́к** гулзорни пайҳон этмоқ; 2 *что разг.* топтамоқ, оёқ босиб ифлос қилмоқ, из бостирмоқ, из қилиб юбормоқ; **не затопчи́те пол!** полни из (ифлос) қилманг!; 3 *что* босиб (оёқ билан эзиб) ташламоқ, йўқ қилмоқ, ерга қориштириб юбормоқ, ўчирмоқ; **~ оку́рок** папирос қолдиғини босиб эзиб ташламоқ; **~ моне́ту в зе́млю** тангани босиб ерга қориштириб юбормоқ; 4 *кого-что* босиб ўлдирмоқ, босиб-янчиб ўлдириб кетмоқ; **ло́шадь затопта́ла щенка́** от кучук болани босиб ўлдириб қўйибди; ✦ **~ в грязь** лойга қормоқ, бадном қилмоқ.

ЗАТОПТА́ТЬСЯ, -опчу́сь, -о́пчешься *сов. разг.* тепина (депсина) бошламоқ; ер тепинмоқ; **~ на ме́сте** бир жойда депсина бошламоқ.

ЗАТО́Р *м* 1 тиқилинч, тирбанд; тиқилиш, тиқилиб қолиш; **~ льда** музларнинг тиқилиб қолиши; **на перекрёстке образова́лся ~** чорраҳа тиқилинч бўлиб кетди; 2 *перен.* тўхталиб қолиш, пайсалга тутиш; **~ в рабо́те** ишнинг тўхталиб қолиши, пайсалга тушиши.

ЗАТОРМА́ЖИВАТЬ *несов. см.* **затормози́ть.**

ЗАТОРМА́ЖИВАТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **затормози́ться**; 2 *страд. от* **затормáживать.**

ЗАТОРМОЗИ́ТЬ, -ожу́, -ози́шь *сов.* (*несов.* **затормáживать**) *что* 1 тормозламоқ; тормозлаб қўймоқ, тормозлаб секинлатмоқ, тўхтатмоқ; **~ маши́ну** машинани тормозламоқ; 2 *перен. разг.* секинлатмоқ, тўсқинлик қилиб (ҳалақит бериб, пайсалга солиб) сусайтирмоқ, тўхтатиб қўймоқ, белига тепмоқ; **~ де́ло** тўсқинлик қилиб (пайсалга солиб) ишни сусайтириб (ёки тўхтатиб) қўймоқ, ишнинг белига тепмоқ.

ЗАТОРМОЗИ́/ТЬСЯ, -ожу́сь, -ози́шься *сов.* (*несов.* **затормáживаться**) 1 тормозланмоқ, секинламоқ; **маши́на ре́зко ~лась** машина шартта тормозланди (тўхтади); 2 *перен. разг.* секинлашмоқ, сусаймоқ; секинлаб (тўхтаб) қолмоқ; **рабо́та ~лась** иш секинлаб қолди.

ЗАТОРМОШИ́ТЬ *сов. кого разг.* 1 тортқилайверіб (тортқилайверіб, силтайверіб) чарчатмоқ, жонини олмоқ, тинкасини қуритмоқ; 2 *перен.* жонига тегмоқ, жонини кўзига кўрсатмоқ, жонидан тўйдирмоқ, жонидан безор қилмоқ; **~ прида́рками** куткилаб жонидан безор қилмоқ.

ЗАТОРМОШИ́ТЬСЯ *сов. прост.* уриниб (овора бўлиб) чарчамоқ; силласи қуримоқ; жони кўзига кўринмоқ; **~ на ку́хне** ошхонада овора бўлиб чарчамоқ; **~, принима́я госте́й** меҳмон кутиб силласи қуримоқ.

ЗАТОРОПИ́/ТЬСЯ, -оплю́сь, -о́пишься *сов. разг.* шошила бошламоқ, шошилиб (ҳовлиқиб) қолмоқ, ошиқмоқ; **~лся уходи́ть** кетишга ошиқди (ошиқяпти).

ЗАТОСКОВА́ТЬ, -ку́ю, -ку́ешь *сов.* соғина (қўмсай) бошламоқ; дили танг (юраги зиқ) бўлиб кетмоқ, сиқилмоқ, зерикиб қолмоқ; **~ в неволе** тутқунликда сиқилиб кетмоқ.

ЗАТОЧА́ТЬ *несов. см.* **заточи́ть** I.

ЗАТОЧЕ́НИЕ *с* 1 *по гл.* **заточи́ть** I; **~ в тюрьму́** турмага қамаш; 2 қамалиш, сургунда (қамоқда) бўлиш; қамоқ, сургун, бадарға; **долголе́тнее ~** узоқ муддатли қамоқ.

ЗАТОЧИ́ТЬ I *сов.* (*несов.* **заточа́ть**) *кого-что* қамамоқ, қамаб қўймоқ, зиндонга солмоқ (ташламоқ); банди қилмоқ; **~ в тюрьму́** қамоқхонага қамаб қўймоқ.

ЗАТОЧИ́ТЬ II *сов.* (*несов.* **зата́чивать** II) *что* чархламоқ, қайрамоқ, ўткирламоқ; қайраб (чархлаб) қўймоқ; учини чиқармоқ (очмоқ); **~ каранда́ш** қаламнинг учини чиқармоқ; қаламни очмоқ; **~ нож** пичоқни чархламоқ.

ЗАТОШНИ́/ТЬ, -и́т *сов. безл. кого* кўнгли айнимоқ, кўнгли айний бошламоқ, кўнгли айниб кетмоқ; **больно́го ~ло** беморнинг кўнгли айниди.

ЗАТРАВИ́ТЬ, -влю́, -а́вишь *сов.* (*несов.* **затра́вливать**) *кого-что* 1 ит (ёки ов қуши) солиб овламоқ, тутмоқ; итга (ов қушига) олдирмоқ; **~ за́йца** қуённи ит (ёки ов қуши) солиб овламоқ; 2 олкишламоқ, ғусғусламоқ, киш-кишламоқ; 3 *перен. разг.* таъқиб (қувғин) қилмоқ, таъқиб (қувғин) қилиб азобламоқ, миррасига етказмоқ, хўрлаб (не-не туҳматлар билан) жонини олмоқ; **~ сопе́рника** не-не туҳматлар билан рақибининг жонини олмоқ (қунини кўрсатмоқ).

ЗАТРАВКА *ж, р. мн.* **-вок** 1 *уст.* запал, пилик, дори (эски вақтдаги милтиқ ёки тўпларда); 2 *перен. прост.* қизиқтирадиган нарса, ем.

ЗАТРАВЛЕННЫЙ, -ая, -ое 1 *прич. от* **затравúть**; 2 *в знач. прил.* ит (ёки ов қуши) солиб овланган, тутилган; **~ волк** ит солиб овланган бўри; 3 *перен. в знач. прил.* таъқиб (қувғин) қилинган, хўрланган, таъқиб (қувғин) остида миррасига етган; **~ челове́к** таъқиб (қувғин) остида миррасига етган одам.

ЗАТРАВЛИВАТЬ *несов. см.* **затравúть.**

ЗАТРАГИВАТЬ *несов. см.* **затро́нуть.**

ЗАТРАМБОВА́ТЬ, -бу́ю, -бу́ешь *сов.* (*несов.* **затрамбóвывать**) *что* шиббаламоқ, шиббалаб қўймоқ; **~ зе́млю** ерни шиббаламоқ.

ЗАТРАМБО́ВЫВАТЬ *несов. см.* **затрамбова́ть.**

ЗАТРАПЕ́ЗНЫЙ I, -ая, -ое кундалик, уйлик, оддий; **~ халáт** кундалик халат; **~ вид** оддий кўриниш.

ЗАТРАПЕ́ЗНЫ/Й II, -ая, -ое овқат вақтидаги, дастурхон атрофидаги; **~е бесе́ды** дастурхон устидаги суҳбат.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЗАТРА́Т/А *ж* 1 *по гл.* **затра́тить**; **~а средств** маблағ(лар)ни сарфлаш; **~а уси́лий** куч сарф қилиш; 2 *мн.* **~ы** сарф, харажат; чиқим; **непроизводи́тельные ~ы** унумсиз (беунум) харажатлар.

ЗАТРА́ТИТЬ, -а́чу, -а́тишь *сов.* (*несов.* **затра́чивать**) *что на кого-что* 1 сарфламоқ, сарф (харажат, харж, чиқим) қилмоқ, ишлатмоқ; **~ капита́л на обору́дование** ускуналар учун капитал сарфламоқ; 2 сарф қилмоқ, кеткизмоқ; **~ мно́го уси́лий** кўп меҳнат сарф қилмоқ.

ЗАТРА́ЧИВАТЬ *несов. см.* **затра́тить**.

ЗАТРЕ́БОВАТЬ *сов. кого-что офиц.* талаб қилиб, сўраб (сўратиб) олмоқ; чақириб олмоқ; **~ необходи́мые докуме́нты** керакли ҳужжатларни талаб қилиб (сўратиб) олмоқ.

ЗАТРЕ́ПАНН/ЫЙ, -ая, -ое *разг.* 1 *прич. от* **затрепа́ть**; 2 *в знач. прил.* тўзган, эскирган, уринган, эскириб (уриниб) қолган; титиғи (увадаси, шалоғи) чиққан; **~ая руба́шка** уриниб қолган кўйлак; 3 *перен. в знач. прил.* кўп чайналган, сийқаси чиққан; **~ая те́ма** кўп чайналган мавзу.

ЗАТРЕПА́/ТЬ, -еплю́, -е́плешь *сов.* (*несов.* **затрёпывать**) *разг.* 1 *что* кўп (ёки ёмон) қийиб (тутиб) тўзитмоқ, эскиртмоқ, уринтирмоқ; титиғини (увадасини, шалоғини) чиқармоқ; шалоқ қилиб юбормоқ; **~ть пла́тье** кўйлакни уринтириб қўймоқ; **~ть кни́жку** китобнинг титиғини чиқармоқ; китобни шалоқ қилиб юбормоқ; 2 *кого* титратиб (қақшатиб) жонини олмоқ, ҳолдан кеткизмоқ; **меня́ ~ла маля́рия** безгак қақшатиб жонимни олди.

ЗАТРЕПА́/ТЬСЯ, -е́плется *сов.* (*несов.* **затрёпываться**) *разг.* кўп (ёки ёмон) қийилиб, титилиб тўзмоқ, эскирмоқ, уринмоқ; титиғи (увадаси, титиғи) чиқиб кетмоқ, шалоқ бўлиб қолмоқ; **па́пка ~лась** папканинг титиғи чиқиб кетди; **костю́м ~лся** костюмнинг увадаси чиқиб кетди.

ЗАТРЁПЫВАТЬ *несов. см.* **затрепа́ть**.

ЗАТРЁПЫВАТЬСЯ, -ается *несов.* 1 *см.* **затрепа́ться**; 2 *страд. от* **затрёпывать**.

ЗАТРЕЩА́/ТЬ *сов.* 1 қарсиллаб (қирсиллаб, чирсиллаб, шиқирлаб) бошламоқ, чирсиллай бошламоқ; қарсиллаб (қирсиллаб) кетмоқ; **лёд ~л под нога́ми** оёқ остидаги муз қирсиллаб кетди; 2 вайсай бошламоқ, бидирлаб кетмоқ.

ЗАТРЕ́ЩИН/А *ж прост.* тарсаки, шапалоқ; **дать ~ у** тарсаки қўймоқ (солмоқ, туширмоқ).

ЗАТРО́НУ/ТЬ *сов.* (*несов.* **затра́гивать**) 1 *кого-что* тегмоқ, тегиб кетмоқ, тегиб ўтмоқ; **пу́ля ~ла кость** ўқ суякка тегиб ўтди (ўтган); 2 *перен. кого-что* даҳл қилмоқ, тегмоқ; тил тегизмоқ; **~ть самолю́бие** иззат-нафсига тегмоқ; **~ть интере́сы** манфаатларга даҳл қилмоқ; 3 *перен. что* гапириб (тўхтаб, тўхталиб) ўтмоқ, оғизга олмоқ; **~ть ста́рую те́му** эски мавзуга тўхтаб (тўхталиб) ўтмоқ; 4 *перен. кого-что* таъсир қилмоқ; ✦ **~ть за живо́е** *см.* **живо́й**.

ЗАТРУДНЕ́НИ/Е *с* 1 қийналиш, сиқилиш; душворлик, малоллик; **~е в дыха́нии** қийналиб нафас олиш; **дене́жные ~я** пулдан қийналиш (сиқилиш); **без ~я** қийналмасдан, бемалол; 2 қийинчилик, қийин (оғир, мушкул) аҳвол, машаққат, мушкуллик, танглик; **материа́льные ~я** моддий қийинчилик; **вывести из ~я** қийинчиликдан (қийин аҳволдан) қутқармоқ (чиқармоқ).

ЗАТРУДНИ́ТЕЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое; -лен, -льна душвор, қийин, мушкул, оғир, танг; **~ое положе́ние** қийин (танг) аҳвол.

ЗАТРУДНИ́ТЬ *сов.* (*несов.* **затрудня́ть**) 1 *кого-что* қийнаб қўймоқ, қийин (танг) аҳволга солиб қўймоқ; малол келмоқ, малоллик келтирмоқ; **~ сло́жным вопро́сом** қийин (оғир) савол билан қийнаб қўймоқ; **~ про́сьбами** илтимослар билан малоллик келтирмоқ; 2 *что* қийин (ноқулай) қилиб (қийинлаштириб, оғирлаштириб) қўймоқ; оғирлаштирмоқ, қийинлаштирмоқ; мушкуллаштирмоқ; **~ до́ступ** *куда-л.* бирор жойга киришни қийинлаштириб қўймоқ.

ЗАТРУДНИ́ТЬСЯ *сов.* (*несов.* **затрудня́ться**) 1 *в чём, чем* или *с неопр.* қийналмоқ; ўнғайсизланмоқ; малоллик тортмоқ; **~ отве́том** жавоб беришда қийналмоқ; **~ испо́лнить поруче́ние** топшириқни бажаришда қийналмоқ; 2 қийин (оғир) бўлиб қолмоқ; қийинлашмоқ.

ЗАТРУДНЯ́ТЬ *несов. см.* **затрудни́ть**.

ЗАТРУДНЯ́ТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **затрудни́ться**; 2 *страд. от* **затрудня́ть**.

ЗАТРЯСТИСЬ *сов.* силкиниб (тебраниб, титраб, қалтираб) бошламоқ, титраб (қалтираб) кетмоқ.

ЗАТУМА́НИВАТЬ *несов. см.* **затума́нить**.

ЗАТУМА́НИВАТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **затума́ниться**; 2 *страд. от* **затума́нивать**.

ЗАТУМА́НИ/ТЬ *сов.* (*несов.* **затума́нивать**) 1 туман (тутун ва ҳ. к.) қопламоқ (босмоқ); хиралаштирмоқ, хиралаштириб (хира қилиб) қўймоқ; **дым ~л даль** тутун узоқни хиралаштириб қўйди, **Слёзы ~ли мне глаза́** (Гайдар) Ёш кўзларимни хира қилиб қўйди; 2 *перен.* қоронғилаштирмоқ, хиралаштирмоқ; ноаниқ (мужмал) қилиб қўймоқ; **~ть мысль** фикрни қоронғилаштирмоқ.

ЗАТУМА́НИ/ТЬСЯ *сов.* (*несов.* **затума́ниваться**) 1 туман (тутун ва ҳ. к.) билан қопланмоқ, туман (тутун ва ҳ. к.) босмоқ, хиралашмоқ, қоронғилашмоқ; **лес ~лся** ўрмонни туман қоплади (босди); **глаза́ ~лись** кўз ўнги қоронғилашди; 2 *перен.* қоронғилашмоқ, хиралашмоқ; **созна́ние ~лось** онг хиралашди; 3 *перен. разг.* маъюс (ғамгин) бўлиб қолмоқ; **Ве́ра Дми́триевна мо́лча, с ~вшимся лицо́м, смотре́ла на мо́ре** (Вересаев) Вера Дмитриевна жимгина, маъюс чеҳра билан денгизга қараб ўтирар эди.

ЗАТУ́ПИТЬ, -уплю́, -у́пишь *сов.* (*несов.* **затупля́ть**) *что* дамини қайтармоқ, ўтмаслантириб (ўтмас қилиб, юзини қайтариб) қўймоқ; учини тўмтоқ (хит) қилиб қўймоқ; **~ нож** пичоқни ўтмас қилиб қўймоқ.

ЗАТУПИ́/ТЬСЯ, -у́пится *сов.* (*несов.* **затупля́ться**) ўтмас бўлиб қолмоқ, дами (юзи) қайтиб қолмоқ, тўмтоқланиб (тўмтоқ, хит бўлиб) қолмоқ; **каранда́ш ~лся** қаламнинг учи тўмтоқ бўлиб қолди; **топо́р ~лся** болта ўтмас бўлиб қолди.

ЗАТУПЛЯ́ТЬ *несов. см.* **затупи́ть**.

ЗАТУПЛЯ́ТЬСЯ, -я́ется *несов.* 1 *см.* **затупи́ться**; 2 *страд. от* **затупля́ть**.

ЗАТУХА́НИЕ *с по гл.* **затуха́ть**; **~ колеба́ний** тебранишларнинг сўниши.

ЗАТУХА́ТЬ, -а́ет *несов. см.* **зату́хнуть**.

ЗАТУ́Х/НУТЬ, -нет; -у́х, -у́хла *сов.* (*несов.* **затуха́ть**) 1 ўча (сўна) бошламоқ, ўчмоқ, сўнмоқ, ўчиб (сўниб) қолмоқ; **костёр ~** гулхан ўчиб қолди; 2 *спец.* сўнмоқ, тўхтамоқ; сўниб қолмоқ, пасаймоқ; **~ли колеба́ния по́чвы** ернинг тебранишлари тўхтади.

ЗАТУШЕВАТЬ, -шу́ю, -шу́ешь *сов.* (*несов.* **затушёвывать**) *что* 1 тушламоқ, туш бермоқ; **~ рису́нок** расмни тушламоқ, расмга туш бермоқ; 2 *перен.* хаспўшламоқ, яширмоқ; хаспўшлаб (текислаб) юбормоқ; яшириб кетмоқ; **~ недоста́тки** камчиликларни яшириб кетмоқ.

ЗАТУШЕВА/ТЬСЯ, -шу́ется *сов.* (*несов.* **затушёвываться**) 1 тушланмоқ; 2 *перен.* хаспўшланмоқ, текис бўлиб кетмоқ; ўчиб кетмоқ; **про́шлое не ~лось в мое́й па́мяти** ўтмиш менинг ёдимдан ўчиб (кўтарилиб) кетган эмас.

ЗАТУШЁВЫВАТЬ *несов. см.* **затушева́ть**.

ЗАТУШЁВЫВАТЬСЯ, -ается *несов.* 1 *см.* **затушева́ться**; 2 *страд. от* **затушёвывать**.

ЗАТУШИ́ТЬ, -ушу́, -у́шишь *сов. что* 1 ўчирмоқ, сўндирмоқ; ўчириб (сўндириб) қўймоқ; **~ ла́мпу** чироқни ўчириб қўймоқ; 2 *перен.* сўндирмоқ, бўғмоқ, тўхтатмоқ, йўқ қилмоқ, босмоқ, бостирмоқ; бўғиб (тўхтатиб, бостириб) қўймоқ; **~ на лице́ выраже́ние ра́дости** юзидаги шодлик аломатини сўндирмоқ.

ЗАТХЛО́СТ/Ь *ж* 1 нам тортиб уриниб қолганлик, димиққанлик, бўрсиганлик; **~ь муки́** унниг намиқиб уриниб қолганлиги; 2 зах ҳиди; **в подва́ле па́хло ~ью** подвалдан зах ҳиди келар эди; 3 *перен.* тўхтаб (қотиб) қолганлик, қолоқлик, жаҳолат; **объяви́ть войну́ ~и** жаҳолатга қарши кураш эълон қилмоқ.

ЗАТХЛ/ЫЙ, -ая, -ое 1 намиқиб (зах босиб) қолган, бузилган, айниган, димиққан, бўрсиган, ҳидланиб қолган; **~ый во́здух** айниган (бузуқ) ҳаво; **~ые сухари́** намиқиб ҳидланиб қолган сухари; 2 *перен.* қолоқ, жаҳолатда қолган; **~ая среда́** бузуқ муҳит.

ЗАТЫКА́ТЬ *несов. см.* **заткну́ть**.

ЗАТЫКА́ТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **заткну́ться** 1; 2 *страд. от* **затыка́ть**.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЗАТЫЛОК *м, р.* **-лка** энса, гардан; **почеса́ть в заты́лке** энсани қашимоқ; **сдви́нуть ша́пку на ~** шапкани орқага суриб қўймоқ; ✦ **в ~** (идти́, стоя́ть, шага́ть и т. п.) турна қатор бўлиб, бирин-кетин (олдинма-кетин) тизилиб (бормоқ, турмоқ ва ҳ. к.).

ЗАТЫЛОЧН/ЫЙ, -ая, -ое энсага оид; энса..., гардан...; **~ая кость** энса суяги.

ЗАТЫЧКА *ж, р. мн.* **-чек** *прост.* тиқин; **~ из тря́пки** латта тиқин; **ко вся́кой бо́чке ~** *погов.* ҳар нарсага (ишга) тўғоноқ.

ЗАТЮКАТЬ *сов. кого-что разг.* ураверив (дўқ-пўписа қилаверив) қўрқоқ (юраксиз) қилиб қўймоқ, қўрқитиб (юрагини олиб) қўймоқ.

ЗАТЮКОВА́ТЬ, -ку́ю, -ку́ешь *сов.* (*несов.* **затюко́вывать**) *что* тойламоқ; ўраб боғламоқ, бўғчаламоқ, тугиб қўймоқ; **~хло́пок** пахтани тойламоқ; **~ ве́щи** нарсаларни ўраб боғламоқ (тугиб қўймоқ).

ЗАТЮКО́ВЫВАТЬ *несов. см.* **затюкова́ть.**

ЗАТЯГИВАТЬ I *несов. см.* **затяну́ть** I.

ЗАТЯГИВАТЬ II *несов. см.* **затяну́ть** II.

ЗАТЯЖН/О́Й, -а́я, -о́е узоққа чўзиладиган, узоқ давом этадиган, узун, узоқ, давомли, чўзиқ, муттасил; **~а́я боле́знь** узоққа чўзилган (чўзиладиган) касаллик; **~о́й кри́зис** узоқ давом этган (этадиган) кризис; **~о́й дождь** давомли (муттасил) ёмғир; ✦ **~о́й прыжо́к** парашютни анча вақт очмасдан тушиш.

ЗАТЯНУ́ТЬ I *сов.* (*несов.* **затя́гивать I**) **1** *кого-что* и *чем* тарангламоқ, тортиб (сиқиб, таранг қилиб) боғламоқ, сириб боғламоқ; **~ть у́зел** тугунни сиқиб боғламоқ; **~ть гимнасте́рку ремнём** гимнастерка устидан белга камар боғлаб олмоқ; **~ть по́яс потуже** 1) камарни сиқиб боғламоқ; 2) *перен.* овқатдан ўзини тиймоқ; **2** *что* тортиб (таранг қилиб) юбормоқ, қаттиқ тортмоқ; **~ть пово́дья** жиловни қаттиқ тортмоқ; **3** *кого-что* тортиб кетмоқ, сўриб (ютиб) юбормоқ; **ло́шадь ~ло в трясину** отни ботқоқлик (ичига, қаърига) тортиб кетди; **4** *перен. кого* тортмоқ, жалб қилмоқ, аралаштирмоқ, қориштирмоқ; **~ть в спор** баҳсга жалб қилмоқ (тортмоқ); **5** *что чем* қопламоқ, ўрамоқ, чулғамоқ, босмоқ; қоплаб (ўраб) олмоқ; **не́бо ~ло ту́чами** осмонни қора булут қоплаб олди; **трибу́на, затя́нутая сукно́м** мовут билан қопланган минбар; **6** битиб (тузалиб) кетмоқ; **ра́ну ~ло** яра битиб кетди; **7** *кого-что чем* или *во что* сириб қўймоқ, сириб олмоқ, сириб киядирмоқ, ўрамоқ; **фигу́ра, затя́нутая в мундир** мундир сириб олган қомат; **8** *что* и *с чем* чўзмоқ; пайсалга солмоқ; судрамоқ; сусайтирмоқ; **~ть рабо́ту** ишни судрамоқ; **~ть с отчётом** ҳисоботни чўзмоқ; **9** *тех.* маҳкамлаб (бураб) қўймоқ; **~ть болт** болтни бураб (тортиб, маҳкамлаб) қўймоқ.

ЗАТЯНУ́ТЬ II *сов.* (*несов.* **затя́гивать II**) *что* айта (куйлай) бошламоқ; **~ хо́ром** хор бўлиб (кўплашиб) айта бошламоқ.

ЗАТЯНУ́/ТЬСЯ *сов.* (*несов.* **затя́гиваться**) **1** *что* и *чем* таранг (маҳкам) боғланмоқ; **у́зел ~лся** тугун таранг (маҳкам) боғланди; **2** тортиб боғлаб олмоқ, сириб киймоқ; **~ться по́ясом** белбоғни тортиб боғлаб олмоқ; **~ться в мунди́р** мундирни сириб кийиб олмоқ; **3** *перен. во что* тортилмоқ, аралашмоқ; **~ться в разгово́р** гапга аралашмоқ; **4** *чем* қопланмоқ, ўралмоқ, чулғанмоқ; **пруд ~лся во́дорослями** ҳовуз сув ўсимликлари билан қопланибди; **5** битмоқ, тузалмоқ, қотмоқ; **ра́на ~лась** яра битиб кетди; **6** чўзилмоқ, судралмоқ; **перегово́ры ~лись** музокаралар чўзилиб кетди; **бесе́да ~лась далеко́ за́ полночь** суҳбат ярим кечагача давом этди; **7** ичга ютмоқ, қаърига тортмоқ; **То́мский закури́л тру́бку, ~лся** (Пушкин) Томский трубкани чекиб, тутунни ичига тортди.

ЗАУМНИЧАТЬ билармонлик (маҳмадоналик) қилмоқ; донишмандлигини (билимдонлигини) кўрсатишга уринмоқ.

ЗАУМН/ЫЙ, -ая, -ое; -мен, -мна гўёки донишмандона, ҳеч ким тушунмайдиган, мужмал, мубҳам, бежамдор; **~ая речь** бежамдор нутқ.

ЗАУМЬ *м* бемаъни иш (гап, нарса), бемаънилик; **э́то предложе́ние фанта́зия, ~!** бу таклиф фантазия, бемаънилик!

ЗАУНЫВН/ЫЙ, -ая, -ое; -вен, -вна ғамгин, маъюс, мунгли, ҳазин; **~ая пе́сня** ғамгин (мунгли) ашула.

ЗАУПОКО́Й/ЫЙ, -ая, -ое *церк.* марҳумга бағишланган маросимларга оид; марҳумга бағишланган; **~ая моли́тва** жаноза; **~ое поминове́ние** марҳумга бағишланган дуойи-фотиҳа.

ЗАУПРЯ́МИТЬСЯ, -млюсь, -мишься *сов.* ўжарлик (қайсарлик, терслик) қила бошламоқ; ўжарлиги (қайсарлиги) тутиб қолмоқ, терслик қилиб туриб олмоқ.

ЗАУРЯДНЫЙ, -ая, -ое; -ден, -дна ўртача, ўрта-миёна; чакана, оддий; **~ актёр** ўртача (чакана) актёр.

ЗАУСЕ́НЕЦ *м, р.* **-нца** *то же, что* **заусе́ница.**

ЗАУСЕ́НИЦА *ж* **1** милк (тирноқнинг милки); **2** *спец.* ғудур.

ЗАУТРЕ́НЯ *ж* тонгги ибодат (черковда).

ЗАУТЮ́ЖИВАТЬ *несов. см.* **заутю́жить.**

ЗАУТЮ́ЖИВАТЬСЯ *несов.* **1** *см.* **заутю́житься; 2** *страд. от* **заутю́живать.**

ЗАУТЮ́ЖИТЬ *сов.* (*несов.* **заутю́живать**) *что* дазмол урмоқ (босмоқ), дазмоллаб юбормоқ, дазмоллаб ёзмоқ (текисламоқ); **~ скла́дки** дазмоллаб ғижимларини ёзмоқ.

ЗАУТЮ́ЖИТЬСЯ, -ится *сов.* (*несов.* **заутю́живаться**) дазмолланмоқ, дазмолда ёзилмоқ, текисланиб кетмоқ.

ЗАУ́ЧЕННЫ/Й, -ая, -ое 1 *прич. от* **заучи́ть; 2** *в знач. прил.* ёд бўлиб қолган; ўрганиш; **~е фра́зы** ёд бўлиб қолган жумлалар; **~е движения** ёд бўлиб қолган ҳаракатлар.

ЗАУ́ЧИВАТЬ *несов. см.* **заучи́ть.**

ЗАУЧИ́/ТЬ *сов.* (*несов.* **зау́чивать**) **1** *что* ёдламоқ, ёдлаб олмоқ, пухта эгалламоқ, ўзлаштирмоқ; **~ть пра́вило** қоидани ёдлаб олмоқ; **2** *кого разг.* ўқитавериб (ёки яхши ўқитмай) миясини айнитмоқ, ишдан чиқармоқ.

ЗАУЧИ́/ТЬСЯ *сов.* (*несов.* **зау́чиваться**) *разг.* **1** кўп ўқимоқ, ўқишга берилиб кетмоқ; **2** ўқийверіб чарчаб қолмоқ, мияси айнимоқ; **иди́ погуля́й, а то ты совсе́м ~лся** бор, бир оз ўйнаб кел, бўлмаса, ўқийверіб чарчаб қолдинг (кетдинг).

ЗАУША́ТЕЛЬСК/ИЙ, -ая, -ое бировнинг обрўйини тўкишга (ерга уришга) қаратилган, ҳақоратли, таҳқирловчи, ҳақоратловчи; **~ая кри́тика** бировнинг обрўйини тўкишга қаратилган танқид, ҳақоратли танқид.

ЗАУША́ТЕЛЬСТВО *с* ҳақоратловчи (таҳқирловчи) танқид билан бировнинг обрўйини тўкиш, бадном қилиш, ерга уриш.

ЗАУ́ШНИЦА *ж мед.* тепки.

ЗАУ́ШН/ЫЙ, -ая, -ое қулоқ орқасидаги; **~ая о́пухоль** қулоқ орқасидаги шиш.

ЗАФИКСИ́РОВАТЬ *сов.* **1** *кого-что* ёзиб (қайд қилиб, акс эттириб) қўймоқ, қайд қилмоқ; **~ речь** нутқни ёзиб қўймоқ(олмоқ); **~ в карти́нах приро́ду родно́го кра́я** суратларда она-ўлка табиатини акс эттирмоқ; **2** *что* белгиламоқ, аниқламоқ, белгилаб (аниқлаб) қўймоқ; **~ ми́нное по́ле** миналанган далани белгилаб қўймоқ; **3** *что фото* фиксажда мустаҳкамламоқ; **~ сни́мок** суратни фиксажда мустаҳкамламоқ.

ЗАФРАХТОВА́ТЬ, -ту́ю, -ту́ешь *сов.* (*несов.* **зафрахто́вывать**) *что* кема ёлламоқ, кемани ёллаб қўймоқ.

ЗАФРАХТО́ВЫВАТЬ *несов. см.* **зафрахтова́ть.**

ЗАХА́Ж/ИВА/ТЬ *несов. многокр. разг. см.* **заходи́ть** I и **зайти́** 1; **всегда́ рад вас ви́деть, ~йте** кириб туринг, ҳамма вақт сизни кўрсам хурсанд бўламан.

ЗАХАИВАТЬ *несов см.* **заха́ять.**

ЗАХА́РКАТЬ I *сов.* (*несов.* **заха́ркивать**) *что прост.* тупуриб (балғам ташлаб) ифлос қилмоқ (булғатмоқ); **~ пол** полга туфлаб ташламоқ, туфлаб полни булғатмоқ.

ЗАХА́РКАТЬ II *сов.* тупура (балғам ташлай) бошламоқ.

ЗАХА́РКИВАТЬ *несов. см.* **заха́ркать** I.

ЗАХА́ЯТЬ *сов.* (*несов.* **заха́ивать**) *кого-что прост.* ерга уриб юбормоқ, обрўйини бир пул қилмоқ.

ЗАХВА́ЛИВАТЬ *несов. см.* **захвали́ть.**

ЗАХВАЛИ́ТЬ *сов.* (*несов.* **захва́ливать**) *кого-что разг.* жуда (роса) мақтамоқ, мақтаб (мақтовини ошириб) юбормоқ.

ЗАХВА́РЫВАТЬ *несов. см.* **захвора́ть.**

ЗАХВАТ *м* **1** *по гл.* **захвати́ть; ~ инициати́вы** ташаббусни қўлга олиш; **2** босиб (эгаллаб) олиш, ишғол (забт, истило) қилиш, қўлга олиш; **забо́т, истило; ~ чужи́х терри-**

www.ziyouz.com kutubxonasi

то́рий ўзга территорияларни босиб олиш; **~ вла́сти** ҳокимиятни қўлга олиш.

ЗАХВА́ТАТЬ *сов.* (*несов.* **захва́тывать** II) *что разг.* ушлайвериб (қўл ураверіб, тегизаверіб) кир (ифлос) қилмоқ, уринтириб юбормоқ; **~ ру́копись** қўлёзмани уринтириб юбормоқ.

ЗАХВАТИ́/ТЬ, -ачу́, -а́тишь *сов.* (*несов.* **захва́тывать** I); 1 *кого-что* олмоқ, ушлаб (чангаллаб) олмоқ, маҳкам ушламоқ; **~ть горсть конфе́т** бир ҳовуч конфет олмоқ; 2 *кого-что* ўраб олмоқ, тортиб олиб кетмоқ, илинтириб кетмоқ; **маши́ной ~ло край оде́жды** машина кийимнинг этагини ўраб кетди; 3 *кого-что* босиб (тортиб) олмоқ, забт этмоқ; қўлга туширмоқ; асир қилиб олмоқ; **~ть чужу́ю террито́рию** ўзга территорияни босиб олмоқ; **~ть в плен** асирга олмоқ, асир туширмоқ; 4 *что* қўлга олмоқ, эгалламоқ; **~ть инициати́ву в свои́ ру́ки** ташаббусни қўлга олмоқ; 5 *кого-что* бирга олиб кетмоқ (бормоқ), ола кетмоқ; **~ть все де́ньги** ҳамма пулларни олиб (ола) кетмоқ; **~ть дете́й** болаларни бирга олиб кетмоқ; 6 *перен. кого* ўзига тортмоқ, мафтун (жалб) қилмоқ, маҳлиё қилиб қўймоқ; қамраб олмоқ; **рабо́та ~ла его́ целико́м** иш уни бутунлай жалб қилиб олди (тортиб кетди); 7 *кого-что* учратмоқ; топмоқ; **~ть** *кого-н.* **до́ма** бировни уйида учратмоқ (топмоқ); **в пути́ нас ~л ли́вень** йўлда жалага учрадик (жалада қолдик); йўлда келаётганимизда жала қуйиб қолди; 8 *что разг.* олдини олмоқ; **~ть пожа́р в са́мом нача́ле** бошданоқ ёнғиннинг олдини олмоқ, ёнғинни авжига чиқмасдан ўчирмоқ; 9 *что* эгалламоқ, босмоқ, қопламоқ; қоплаб олмоқ; 10 *перен. что разг.* юқтирмоқ, орттирмоқ; ✦ **дух** (или **дыха́ние**) **~ло (захва́тывает)** нафаси гирибонига келди, нафаси тиқилиб кетди; энтикиб (бўғилиб) қолди.

ЗАХВА́ТНИЧЕСК/ИЙ, -ая, -ое босқинчилик руҳидаги, тажовузкорона; босқинчилик...; тажовузкорлик...; **~ая поли́тика империали́стов** империалистларнинг босқинчилик сиёсати.

ЗАХВА́ТЧИК *м* босқинчи, истилочи, тажовузкор, зобит; **фаши́стские ~и** фашист босқинчилари.

ЗАХВА́ТЫВАТЬ I *несов. см.* **захвати́ть.**

ЗАХВА́ТЫВАТЬ II *несов. см.* **захвата́ть.**

ЗАХВА́ТЫВАЮЩ/ИЙ, -ая, -ее 1 *прич. от* **захва́тывать** I; 2 *в знач. прил.* кишини ўзига тортадиган, қизиқтирадиган, мароқли, қизиқарли, жозибали, мафтункор; **~ее зре́лище** қизиқарли томоша.

ЗАХВОРА́/ТЬ *сов.* (*несов.* **захва́рывать**) *разг.* касалланмоқ, хасталанмоқ, бетоб (касал) бўлиб қолмоқ; **ребёнок ~л** бола бетоб бўлиб қолди.

ЗАХИРЕ́Л/ЫЙ, -ая, -ое *разг.* 1 заиф, нимжон, беқувват; **~ый ма́льчик** нимжон бола; 2 *перен.* камқувват, хароб, абгор, пастлашиб кетган; **~ое хозя́йство** абгор хўжалик.

ЗАХИРЕ́/ТЬ *сов.* (*несов.* **хире́ть**) *разг.* 1 заифлашмоқ, мазаси қочиб (нимжон, беқувват бўлиб) қолмоқ; **~ть от боле́зни** касалланиб нимжон бўлиб қолмоқ; 2 *перен.* камқувват бўлиб қолмоқ, хароб (абгор) бўлиб қолмоқ; пастлашиб кетмоқ; **хозя́йство ~ло** хўжалик хароб (абгор) бўлиб қолди (пастлашиб кетди).

ЗАХЛАМИ́/ТЬ, -млю́, -ми́шь *сов.* (*несов.* **захламля́ть** и **захла́мливать**) *что разг.* ивирситмоқ, қақир-қуқур (ахлат) бостириб юбормоқ; **всю ко́мнату ~ли** бутун уйни ивирситиб (қақир-қуқур, ахлат бостириб) юборишибди.

ЗАХЛАМЛЁННЫЙ, -ая, -ое 1 *прич. от* **захлами́ть**; 2 *в знач. прил.* ивирсиган, қақир-қуқур (ахлат) босиб кетган; **~ двор** ивирсиган (қақир-қуқур, ахлат босиб кетган) ҳовли.

ЗАХЛА́МЛИВАТЬ *несов. см.* **захлами́ть.**

ЗАХЛАМЛЯ́ТЬ *несов. см.* **захлами́ть.**

ЗАХЛЕБНУ́ТЬ *сов.* (*несов.* **захлёбывать**) 1 *чего разг.* ютиб (хўплаб) юбормоқ; **~ воды́, купа́ясь** чўмилаётиб сув ютиб юбормоқ; 2 *чем прост.* устидан ичмоқ; **~ лека́рство водо́й** дорининг устидан сув ичмоқ.

ЗАХЛЕБНУ́/ТЬСЯ *сов.* (*несов.* **захлёбываться**) 1 нафас йўлига (тутун ва ҳ. к.) кириб бўғилмоқ, қалқиб кетмоқ, бўғзига сув (тутун ва ҳ. к.) тиқилмоқ; **~вшись, утону́л** оғзига сув кириб (бўғзига сув тиқилиб) чўкиб кетди; 2 ҳиссиётларга тўлиб-тошиб энтикиб қолмоқ, нафаси тиқилмоқ, ҳовлиқиб кетмоқ; **~ться от слёз** йиглайвериб нафаси оғзига тиқилмоқ; **~ться от сме́ха** кула-кула энтикиб қолмоқ; **~ться от сча́стья** севинчга тўлиб-тошиб ҳовлиқиб қолмоқ; 3 *перен.* муваффақиятсизликка учрамоқ, муваффақиятсиз бўлиб чиқмоқ, барбод бўлмоқ; **ата́ка неприя́теля ~лась** душманнинг ҳужуми барбод бўлди; 4 тўхтаб (ўчиб) қолмоқ; **мото́р ~лся** мотор тўхтаб (ўчиб) қолди.

ЗАХЛЁБЫВАТЬ *несов. см.* **захлебну́ть.**

ЗАХЛЁБЫВА/ТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **захлебну́ться; 2 энтикмоқ, нафаси тиқилмоқ; говори́ть, ~ясь** энтикиб гапирмоқ.

ЗАХЛЕСТА́/ТЬ I, -ешу́ -е́шешь *сов.* (*несов.* **захлёстывать** II) *разг. кого-что* қамчиламоқ, саваламоқ, калтакламоқ; **~ коня́** отни қамчиламоқ.

ЗАХЛЕСТА́/ТЬ II, -ешу́, -е́шешь *сов.* ёға (қуя) бошламоқ; **дождь ~л** ёмғир қуя бошлади.

ЗАХЛЕСТНУ́/ТЬ *сов.* (*несов.* **захлёстывать** I) 1 *что* устига ташлаб қўймоқ; отиб унини илинтирмоқ; **~ть пово́дья на ше́ю ло́шади** жиловни отнинг бўйнига ташлаб қўймоқ; 2 *кого-что чем разг.* чалмоқ, сиртмоқ солмоқ, арқон (сиртмоқ) ташламоқ (ташлаб ушламоқ); **~ть коня́ петлёй** отни арқон (сиртмоқ) ташлаб ушламоқ; 3 *кого-что* чайқалиб (кўтарилиб) келиб урмоқ (босмоқ); **волна́ ~ла ло́дку** тўлқин кўтарилиб келиб қайиқни босиб кетди; 4 *перен. кого* қамраб (чулғаб) олмоқ, босмоқ, эгалламоқ; **не́нависть ~ла его́** уни нафрат ўти чулғаб олди; 4 чайқалиб (кўтарилиб) урилмоқ, етмоқ, ошмоқ; **волна́ ~ла че́рез борт** тўлқин кўтарилиб бортдан ошиб кетди (тушди).

ЗАХЛЁСТЫВАТЬ I *несов. см.* **захлестну́ть.**

ЗАХЛЁСТЫВАТЬ II *несов. см.* **захлеста́ть** I.

ЗАХЛОПА́ТЬ *сов.* ура (ёки чала) бошламоқ; **~ в ладо́ши** чапак чала бошламоқ; **~ по плечу́** елкасига ура бошламоқ, елкасига қоқиб қўймоқ.

ЗАХЛО́ПНУТЬ *сов.* (*несов.* **захло́пывать**) 1 *что* қаттиқ (тарақлатиб) ёпмоқ, бекитмоқ; **~ дверь** эшикни тарақлатиб бекитмоқ; 2 *кого* шартта ушлаб бекитиб (қамаб) олмоқ.

ЗАХЛО́ПНУ/ТЬСЯ *сов.* (*несов.* **захло́пываться**) қаттиқ (тарақлаб) ёпилмоқ, бекилмоқ, ёпилиб (бекилиб) қолмоқ; **дверь ~лась** эшик қарсиллаб бекилди.

ЗАХЛОПОТА́ТЬСЯ, -очу́сь, -о́чешься *сов. разг.* кўп уринмоқ, елиб-югурмоқ, елиб-югуриб чарчамоқ, тинкаси қуримоқ.

ЗАХЛО́ПЫВАТЬ *несов. см.* **захло́пнуть.**

ЗАХЛО́ПЫВАТЬСЯ, -ается *несов.* 1 *см.* **захло́пнуться; 2** *страд. от* **захло́пывать.**

ЗАХМЕЛЕ́ТЬ *сов.* кайфи ошмоқ, маст (сархуш) бўлиб қолмоқ.

ЗАХО́Д *м* 1 *по гл.* **зайти́** 4, 5, 8; **~ корабле́й в порт** кемаларнинг портга кириши; 2 ботиш; **~ со́лнца** қуёшнинг ботиши; 3 *разг.* уриниш, кириш; **со второ́го ~а** иккинчи киришда (уринишда).

ЗАХО́ДИТЬ I, -ожу́, -о́дишь *несов.* (*многокр.* **заха́живать**) *см.* **зайти́.**

ЗАХОДИ́ТЬ II, -ожу́, -о́дишь *сов.* юра бошламоқ, бориб-келмоқ; **~ в разду́мье по ко́мнате** хаёл суриб уйда у ёқдан-бу ёққа юра (бориб-кела) бошламоқ.

ЗАХОДИ́ТЬСЯ *несов. см.* **зайти́сь.**

ЗАХО́ЖИЙ, -ая, -ее *прост.* йўлакай келиб қолган (қўнган); йўловчи; **~ челове́к** йўловчи одам, қўноқ.

ЗАХОЛУ́СТНЫЙ, -ая, -ое марказдан узоқ, овлоқдаги, овлоқ.

ЗАХОЛУ́СТЬЕ *с, р. мн.* **-тий** 1 марказдан узоқ жой, овлоқ жой; 2 пана-пастқам жой, хилват.

ЗАХОРОНЕ́НИ/Е *с* 1 *по гл.* **захорони́ть; курга́нный спо́соб ~я** тепа (дўнг) қилиб кўмиш; 2 қадимги гўр, қабр, мозор; **раско́пки ~й** қадимги гўрларни қазиш.

ЗАХОРОНИ́ТЬ *сов кого-что* 1 кўммоқ, кўмиб қўймоқ, дафн қилмоқ; 2 *прост.* бекитмоқ, яширмоқ, бекитиб (яширіб) қўймоқ; **~ в кустáх** буталар орасига яшириб қўймоқ.

ЗАХОТЕ́ТЬ, -очу́, -о́чешь, -о́чет, -отим, -оти́те, -оте́т *сов. кого-чего, с неопр.* и *с союзом* **«чтобы»** ...гиси келиб қолмоқ, истамоқ, хоҳламоқ. орзу қилмоқ; **~ ча́ю** чой ичгиси келиб қолмоқ; **захоте́л, что́бы ты пришёл** сенинг келишингни истаб қолдим.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЗАХОТЕ/ТЬСЯ, **-о́чется** *сов. безл.* ...гиси келиб қолмоқ, истак (хоҳиш) пайдо бўлмоқ; **ему́ ~лось уе́хать** унинг кетгиси келиб қолди.

ЗАХОХОТА́ТЬ, **-хохочу́**, **-хохо́чешь** *сов.* кула бошламоқ, кулиб юбормоқ.

ЗАХРАПЕ́ТЬ, **-плю́**, **-пи́шь** *сов.* хуррак ота (торта) бошламоқ.

ЗАХРЕБЕ́ТНИК *м уст.* харомтомоқ, текинхўр.

ЗАХУДА́ЛЫЙ, **-ая -ое** 1 хароб (абгор) бўлиб қолган, пастлашиб (қашшоқлашиб, камбағаллашиб) кетган, синган, тушкунликка (инқирозга) юз тутган; абгор, фақирона; **~ дворя́нский род** пастлашиб кетган дворянлар авлоди; **~ вид** абгор (фақирона) кўриниш; 2 *разг.* пашмалоқ, кўримсиз; **~ городо́к** кўримсиз шаҳарча.

ЗАХУДА́ТЬ *сов. уст.* и *прост.* хароб (абгор) бўлиб қолмоқ, пастлашиб (қашшоқлашиб, камбағаллашиб) кетмоқ, синмоқ, тушкунликка (инқирозга) юз тутмоқ.

ЗАЦА́ПАТЬ *сов.* (*несов.* **зацапывать**) 1 *кого-что прост.* ушлаб (тутиб) олмоқ, ушламоқ, тутмоқ; 2 *кого* ҳибсга (қамоққа) олмоқ; 3 *что* ўмармоқ, чанг солмоқ, эгалламоқ, ўзлаштирмоқ.

ЗАЦА́ПЫВАТЬ *несов. см.* **зацапать**.

ЗАЦВЕСТИ́ I, **-етёт** *сов.* (*несов.* **зацвета́ть**) *разг.* кўкармоқ, кўкариб кетмоқ; моғорламоқ, моғор (пўпанак ёки доғ) босмоқ; моғорлаб қолмоқ; пих боғламоқ; **пруд зацвёл** ҳовуз кўкариб кетди (кетибди); **хлеб зацвёл** нон моғорлаб қолди (қолибди).

ЗАЦВЕ/СТИ II, **-ету́**, **-етёшь** *сов.* гуллай бошламоқ, гулга кирмоқ, очилмоқ, гулламоқ; **~ла́ сире́нь** сирень гуллай бошлади.

ЗАЦВЕТА́ТЬ, **-а́ет** *несов. см.* **зацвести́ I**.

ЗАЦЕЛОВА́ТЬ, **-лу́ю**, **-лу́ешь** *сов. кого-что разг.* ўпиб-ўпиб ўлмоқ; ўпиб ташламоқ, ўпавермоқ; **~ ребёнка** болани ўпавермоқ.

ЗАЦЕМЕ́НТИРОВАТЬ *сов.* (*несов.* **цементи́ровать**) *что* семонламоқ, семонлаб қўймоқ, семон билан қопламоқ.

ЗАЦЕПИ́ТЬ, **-еплю́**, **-е́пишь** *сов.* (*несов.* **зацепля́ть**) *кого-что* 1 илинтирмоқ, илиб олмоқ; **~ багро́м бревно́** ёғочни чангакка илинтирмоқ (чангак билан илиб олмоқ); 2 *разг.* тегиб (қоқиб, туриб) кетмоқ, уриб олмоқ, қоқилмоқ, туртинмоқ; **~ ногой за поро́г** остонага оёқни уриб олмоқ; остонага (оёғи) қоқилиб кетмоқ; 3 *перен. разг.* қаттиқ тегмоқ, санчиб олмоқ, ўтказиб юбормоқ; **~ за живо́е** нозик жойига тегмоқ, нозик жойидан олмоқ; жон-жонидан ўтказиб юбормоқ.

ЗАЦЕПИ́ТЬСЯ, **-еплю́сь**, **-е́пишься** *сов.* (*несов.* **зацепля́ться**) 1 тегиб (урилиб) кетмоқ, қоқилмоқ, илинмоқ; илашмоқ, илашиб қолмоқ; **пла́тье зацепи́лось за гвоздь** кўйлак михга илиниб қолди; 2 *разг.* ёпишиб (маҳкам ушлаб) олмоқ.

ЗАЦЕ́ПК/А *ж* 1 *по гл.* **зацепи́ть** 1; 2 *разг.* илгак, илмоқ, чангак; 3 *перен. разг.* баҳона, сабаб, илинадиган жой; **~а для ссо́ры** жанжал кўтариш (чиқариш) учун баҳона; 4 *перен. прост.* тўсиқ, тўсқинлик, монелик; **Рабо́та кипи́т, всё идёт гла́дко, нигде́ ни ~и** (Вересаев) Иш қайнаган, ҳамма нарса жойида, ҳеч қаерда тўсқинлик йўқ; 5 *перен. прост.* суянчиқ, ҳомий; қўллаб-қувватловчи; **име́ть ~у** *где-л.* бирор ерда суянчиғи бўлмоқ.

ЗАЦЕПЛЯ́ТЬ *несов. см.* **зацепи́ть**.

ЗАЦЕПЛЯ́ТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **зацепи́ться**; 2 *страд. от* **зацепля́ть**.

ЗАЧАРО́ВАННЫЙ, **-ая**, **-ое** 1 *прич. от* **зачарова́ть**; 2 *в знач. прил.* сеҳрланган, сеҳрлаб қўйилган, жоду (афсун) қилинган, авралган; 3 *перен. в знач. прил.* мафтун (маҳлиё, шайдо) бўлган, маҳлиё, шайдо.

ЗАЧАРОВА́ТЬ, **-ру́ю**, **-ру́ешь** *сов.* (*несов.* **зачаро́вывать**) *кого-что* 1 сеҳрламоқ, сеҳрлаб қўймоқ, жоду (афсун) қилмоқ, аврамоқ; 2 *перен.* мафтун (маҳлиё, шайдо) қилмоқ, эсини олиб (оғдириб) қўймоқ; **~ всех свое́й игро́й** ўз ўйини билан ҳаммани мафтун қилмоқ.

ЗАЧАРО́ВЫВАТЬ *несов. см.* **зачарова́ть**.

ЗАЧАСТИ́/ТЬ, **-ащу́**, **-асти́шь** *сов. разг.* 1 тезлашмоқ, жадаллашмоқ, жадалига олмоқ; тезлашиб кетмоқ; **дождь ~л** ёмғир тезлашди; ёмғир жадалига олди; 2 *что* тезлаштирмоқ; тез-тез чала бошламоқ; **гармони́ст ~л весёлую плясову́ю** гармончи шўх рақс музикасини тез-тез чала бошлади; 3 бидир-бидир (тез-тез) гапирмоқ; бидирлаб кетмоқ; лаби-лабига тегмай бидир-бидир қилмоқ; 4 тез-тез борадиган (келадиган) бўлмоқ (бўлиб қолмоқ); **~ть в го́сти** тез-тез меҳмонга борадиган бўлиб қолмоқ.

ЗАЧАСТУЮ *нареч. разг.* тез-тез, кўпинча, кўп вақт (ҳолларда); **так ~ быва́ет** кўпинча шундай бўлади.

ЗАЧА́ТИЕ *с* бўйида (ҳомиладор, бўғоз) бўлиш.

ЗАЧА́Т/ОК *м, р.* **-тка** 1 куртак, муртак, ҳомила; 2 *биол.* қолдиқ орган, рудимент; 3 *мн.* **~ки** *перен.* бошланғич, бошлама, ибтидо, куртаклар; **~ки но́вой жи́зни** янги ҳаёт куртаклари; **~ки революцио́нного движе́ния** революцион ҳаракат бошламаси.

ЗАЧА́ТОЧН/ЫЙ, **-ая**, **-ое** куртак (муртак) ҳолидаги; бошланғич...; ибтидоий; **в ~ом состоя́нии** бошланғич ҳолатда(ги); **~ый о́рган** куртак (муртак) ҳолатидаги орган; ўсмай қолган орган.

ЗАЧА́ТЬ, **-чну́**, **-чнёшь** *сов.* (*несов.* **зачина́ть**) *кого-что уст.* она қорнида пайдо (ҳомиладор) қилмоқ, тўхтатмоқ, қочирмоқ.

ЗАЧА́ТЬСЯ, **-чнётся** *сов.* ҳомиладор (бўйида) бўлмоқ, бўғоз бўлмоқ, тўхтамоқ, қочмоқ.

ЗАЧА́ХНУТЬ, **-ну**, **-нешь**; **-а́х**, **-а́хла** *сов.* (*несов.* **ча́хнуть**) 1 озиб-тўзмоқ, сўлиб қолмоқ; мазаси қочиб (кетиб) қолмоқ, ўзини олдириб қўймоқ; **~ с тоски́** ичикиб, мазаси қочиб қолмоқ; **~ от боле́зни** касал бўлиб ўзини олдириб қўймоқ; 2 сўлиб (қуриб) қолмоқ, хазон бўлмоқ; **цветы́ зача́хли** гуллар сўлиб қолди.

ЗАЧЕ́М *нареч.* 1 *вопросит.* нимага, нега, нима учун; **~ пришёл?** нега келдинг!; 2 *относит.* нима сабабдан (мақсадда, мақсад билан); **не понима́ю, ~вы скандали́те** нима мақсадда жанжаллашасиз, тушуна олмайман.

ЗАЧЕ́М-ТО *нареч.* негадир, нимагадир, нима учундир (сабабдандир); қандайдир мақсад (сабаб) билан.

ЗАЧЕРВИ́ВЕ/ТЬ, **-еет** *сов.* (*несов.* **черви́веть**) *разг.* қуртламоқ, қурт босмоқ (тушмоқ), қуртлаб қолмоқ (кетмоқ); **я́годы ~ли** мевалар қуртлаб кетди (кетибди).

ЗАЧЁРКИВАТЬ *несов. см.* **зачеркну́ть**.

ЗАЧЕРКНУ́ТЬ *сов.* (*несов.* **зачёркивать**) *кого-что* 1 ўчирмоқ, ўчириб (чизиб) ташламоқ; **~ напи́санное** ёзувни (ёзилган нарсани) ўчириб ташламоқ; **~ кого-н. в спи́ске** рўйхатдан ўчирмоқ (ўчириб ташламоқ); 2 *перен.* унутмоқ, йўққа чиқармоқ; **~ чьи-н. про́шлые заслу́ги** ўтмишдаги хизматларини унутмоқ (йўққа чиқармоқ).

ЗАЧЕРНЕ/ТЬ, **-е́ет** *сов.* 1 қораймоқ, қорайиб кетмоқ, қора тусга кирмоқ; 2 қорайиб кўринмоқ; қорайиб кўрина бошламоқ; **вдали́ ~ли ска́лы** йироқда қоялар қорайиб (қораси) кўринди.

ЗАЧЕРНИ́ТЬ *сов.* (*несов.* **черни́ть** и **зачерня́ть**) *что* қорайтирмоқ, қорага бўямоқ, қора суртмоқ (қилмоқ); қорайтириб қўймоқ.

ЗАЧЕРНЯ́ТЬ *несов. см.* **зачерни́ть**.

ЗАЧЕРПНУ́ТЬ *сов.* (*несов.* **заче́рпывать**) *что* и *чего* ботириб (сузиб, ҳовучлаб ва ҳ. к.) олмоқ; **~ ведро́ воды́** челак ботириб сув олмоқ; **~ горсть воды́** бир ҳовуч (ҳовучлаб) сув олмоқ.

ЗАЧЕ́РПЫВАТЬ *несов. см.* **зачерпну́ть**.

ЗАЧЕРСТВЕ́Л/ЫЙ, **-ая**, **-ое** 1 суви қочган, қуриб (қотиб) қолган, қуриган, қотган, қаттиқ, қоқ; **~ая бу́лка** қотган (суви қочган) булка; 2 *перен.* кўнгли (дийдаси) қаттиқ, бераҳм, раҳмсиз, тошбағир, тош...; **~ый челове́к** бераҳм (тошбағир) одам; **~ое се́рдце** тош юрак.

ЗАЧЕРСТВЕ́/ТЬ *сов.* (*несов.* **черстве́ть**) 1 суви қочмоқ, қуриб (қотиб) қолмоқ, қуримоқ, қотмоқ; **хлеб ~л** нон қотиб қолибди; ноннинг суви қочибди; 2 *перен.* дийдаси қотмоқ, тошбағир (бағри тош, кўнгли қаттиқ, раҳмсиз) бўлиб қолмоқ; **се́рдце ~ло** кўнгли (дийдаси) қаттиқ бўлиб қолди.

ЗАЧЕРТИ́ТЬ, **-ерчу́**, **-е́ртишь** *сов.* (*несов.* **заче́рчивать**) *что* 1 чизиб (чизиқлар билан) тўлдирмоқ; чизиб ташламоқ; **~ лист бума́ги** қоғоз варағини чизиб ташламоқ; **~ кла́ссную до́ску** синф доскасини чизиб ташламоқ; 2 чизиб олмоқ (қўймоқ), чизиб чиқмоқ; **~ вид ме́стности** жой манзарасини чизиб олмоқ.

ЗАЧЕ́РЧИВАТЬ *несов. см.* **зачерти́ть**.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЗАЧЁС *м* тарам; бирор томонга таралган соч; **~ы на виска́х** чеккадаги соч тарамлари.

ЗАЧЕСА́ТЬ I, -ешу́, -е́шешь *сов.* (*несов.* **зачёсывать**) *что* тарамоқ, тараб олмоқ (қўймоқ); **~ во́лосы наза́д** сочни орқага тараб қўймоқ; **~ пробо́р** сочларини тараб фарқ очмоқ.

ЗАЧЕСА́ТЬ II, -ешу́, -е́шешь *сов.* 1 тарай бошламоқ; 2 қаший (қашина ёки қашлай) бошламоқ.

ЗАЧЕСА́ТЬСЯ I, -ешу́сь, -е́шешься *сов.* (*несов.* **зачёсываться**) *что* таранмоқ, сочларини тараб олмоқ (қўймоқ); **~ на́бок** сочларини бир томонга тараб олмоқ (қўймоқ).

ЗАЧЕСА́ТЬСЯ II, -ешу́сь, -е́шешься *сов.* қичий бошламоқ, қичиб кетмоқ.

ЗАЧЁСТЬ, -чту́, -чтёшь; -чёл, -чла́ *сов.* (*несов.* **зачи́тывать** I) *что* 1 ҳисобга ўтказмоқ (олмоқ), ҳисоб қилмоқ, ётқизмоқ, ҳисобламоқ; **~ полови́ну зарпла́ты в пла́ту до́лга** иш ҳақининг ярмини қарзга ётқизмоқ; **~ год рабо́ты на Се́вере за́ два** Шимолда ишлаган ҳар йилни икки йилга ҳисобламоқ; 2 зачёт қўймоқ, (синовдан) ўтган ҳисобламоқ, бажарган ҳисобламоқ; **~ курсову́ю рабо́ту** курс ишини бажарган ҳисобламоқ, курс ишига зачёт қўймоқ.

ЗАЧЁСТЬСЯ, -чтётся; -чёлся, -чла́сь *сов.* (*несов.* **зачи́тываться** I) ҳисобланмоқ, ҳисобга ўтказилмоқ, ҳисоб қилинмоқ, ётқизилмоқ; **э́та су́мма зачтётся в погаше́ние до́лга** бу сумма (пул) қарзга ётқизилади; **затра́ченное вре́мя ему́ зачтётся** унинг сарфланган вақти ҳисобга олинади.

ЗАЧЁСЫВАТЬ *несов. см.* **зачеса́ть** I.

ЗАЧЁСЫВАТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **зачеса́ться** I; 2 *страд. от* **зачёсывать**.

ЗАЧЁТ *м* 1 *по гл.* **зачёсть** 1; 2 зачёт (синов тури); **сдать ~** зачёт топширмоқ; **получи́ть ~** зачёт олмоқ.

ЗАЧЁТКА *ж, р. мн.* **-ток** *разг.* зачёт (синов) дафтарчаси.

ЗАЧЁТН/ЫЙ, -ая, -ое зачётга, синовга оид; зачёт...; **~ая кни́жка** зачёт (синов) дафтарчаси.

ЗАЧЕХЛИ́ТЬ *сов.* (*несов.* **чехли́ть** и **зачехля́ть**) *что разг.* и *спец.* ғилофламоқ, чехол (ғилоф, жилд) кийдирмоқ.

ЗАЧЕХЛЯ́ТЬ *несов. см.* **зачехли́ть.**

ЗАЧИ́Н *м* 1 бошлама, почин, бай; **~ де́ло кра́сит** *погов.* ишнинг бошламаси яхши бўлса, охири ҳам чиройли бўлади; 2 *лит.* бошланма, боши; **~ были́ны** достоннинг бошламаси.

ЗАЧИНА́ТЕЛЬ *м высок.* бошловчи, бошлаб берувчи, ташаббускор; **~ социалисти́ческого соревнова́ния** социалистик мусобақа ташаббускори.

ЗАЧИНА́ТЕЛЬНИЦА *ж см.* **зачина́тель.**

ЗАЧИНА́ТЬ *несов. см.* **зача́ть.**

ЗАЧИ́НИВАТЬ *несов. см.* **зачини́ть.**

ЗАЧИНИ́ТЬ *сов.* (*несов.* **зачи́нивать**) *что разг.* 1 тузатмоқ, ямамоқ; **~ ды́ры** тешикларни ямамоқ; 2 учини чиқармоқ, очмоқ; **~ каранда́ш** қаламнинг учини чиқармоқ.

ЗАЧИ́НЩИК *м* сабабчи, бошлаган (бошлаб берган) киши; **~ дра́ки** муштлашишни бошлаган (бошлаб берган) киши.

ЗАЧИ́НЩИЦА *ж см.* **зачи́нщик.**

ЗАЧИ́СЛИТЬ *сов.* (*несов.* **зачисля́ть**) 1 *кого-что* олмоқ, тайинламоқ, қабул қилмоқ, киритмоқ, ўтказмоқ, ўтказиб қўймоқ; **~ на слу́жбу** хизматга олмоқ; **~ в секретари́** секретарликка тайинламоқ; **~ на дово́льствие** таъминотига олмоқ (ўтказмоқ); 2 *что* ҳисобга ёзмоқ, ўтказмоқ; **~ на теку́щий счёт** жорий счётга ўтказмоқ; **~ в о́бщий бюдже́т** умумий бюджетга ўтказмоқ.

ЗАЧИ́СЛИТЬСЯ *сов.* (*несов.* **зачисля́ться**) қабул (тайин) бўлмоқ, тайинланмоқ, кирмоқ, ўтмоқ, олинмоқ; **~ на слу́жбу** хизматга олинмоқ (ўтмоқ).

ЗАЧИСЛЯ́ТЬ *несов. см.* **зачи́слить.**

ЗАЧИСЛЯ́ТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **зачи́слиться**; 2 *страд. от* **зачисля́ть.**

ЗАЧИ́СТИТЬ, -и́щу, -и́стишь *сов.* (*несов.* **зачища́ть**) *что спец.* 1 тозалаб (қириб, эговлаб) текисламоқ, пардоз (жило) бермоқ; **~ края́ напи́льником** қирраларини эговлаб тозаламоқ; 2 тозаламоқ; тозалаб ташламоқ; **~ конта́кты** контактларни тозаламоқ.

ЗАЧИТА́ТЬ *сов.* (*несов.* **зачи́тывать** II) *что* 1 ўқимоқ, **ўқиб бермоқ (эшиттирмоқ), ~ протоко́л** протоколни ўқиб бермоқ; 2 *разг.* ўқишга (сўраб) олиб, ўзлаштириб юбормоқ, қайтармаслик; 3 *разг.* ўқийверіб эскиртмоқ, увадасини чиқармоқ, уринтириб юбормоқ.

ЗАЧИТА́ТЬСЯ *сов.* (*несов.* **зачи́тываться** II) ўқишга берилиб кетмоқ, (узоқ) ўқиб ўтирмоқ; **~ рома́ном** роман ўқишга берилиб кетмоқ; **~ до утра́** эрталабгача ўқиб ўтирмоқ (чиқмоқ).

ЗАЧИ́ТЫВАТЬ I *несов.* **зачёсть.**

ЗАЧИ́ТЫВАТЬ II *несов. см.* **зачита́ть.**

ЗАЧИ́ТЫВАТЬСЯ I, -ается *несов.* 1 *см.* **зачёсться**; 2 *страд. от* **зачи́тывать** I.

ЗАЧИ́ТЫВАТЬСЯ II *несов.* 1 *см.* **зачита́ться**; 2 *страд. от* **зачи́тывать** II.

ЗАЧИЩА́ТЬ *несов. см.* **зачи́стить.**

ЗАЧУМЛЁНН/ЫЙ, -ая, -ое ўлат (тоун) теккан; ўлат (тоун) тарқалган; **~ое живо́тное** ўлат теккан ҳайвон; **~ая ме́стность** ўлат тарқалган жой.

ЗАЧУ́Я/ТЬ *сов. кого-что разг.* 1 сезиб (пайқаб) қолмоқ, ҳидини (исини) олмоқ; **~ть дичь** илвасиннинг исини олмоқ; 2 *перен.* сезмоқ, билмоқ; билиб қолмоқ; **ко́ни ~ли бли́зкий о́тдых** отлар дам олиш яқинлигини билишди.

ЗАШАГА́ТЬ *сов.* қадамлай (юра, қадам ташлай) бошламоқ.

ЗАША́РКАТЬ *сов.* (*несов.* **заша́ркивать**) 1 *что прост.* оёқ босиб ифлос қилмоқ, булғатмоқ, из қилиб юбормоқ; **~ пол** полни из қилиб юбормоқ.

ЗАША́РКИВАТЬ *несов. см.* **заша́ркать.**

ЗАШАТА́ТЬ *сов. кого-что* тебрата (чайқата, силкита) бошламоқ, гандираклатиб юбормоқ.

ЗАШАТА́ТЬСЯ *сов.* тебрана (чайқала, силкина) бошламоқ, гандираклаб кетмоқ).

ЗАШВАРТОВАТЬ, -ту́ю, -ту́ешь *сов.* (*несов.* **зашварто́вывать**) *что* арқон билан боғлаб қўймоқ, лангар ташлаб тўхтатмоқ (кемани).

ЗАШВАРТОВА́ТЬСЯ, -ту́ется *сов.* (*несов.* **зашварто́вываться**) арқонланмоқ, лангар ташлаб тўхтамоқ.

ЗАШВАРТО́ВЫВАТЬ *несов. см.* **зашвартова́ть.**

ЗАШВАРТО́ВЫВАТЬСЯ, -ается *несов.* 1 *см.* **зашвартова́ться**; 2 *страд. от* **зашварто́вывать.**

ЗАШВЫРИВА́ТЬ *несов. см.* **зашвырну́ть.**

ЗАШВЫРНУ́ТЬ *сов.* (*несов.* **зашвы́ривать**) *что разг.* улоқтириб ташламоқ, ирғитиб (отиб) юбормоқ, улоқтирмоқ; **~ мя́чик** коптокчани улоқтириб юбормоқ.

ЗАШВЫРЯ́ТЬ *сов. разг. кого-что* тош (қор ва ҳ. к.) отиб кўмиб ташламоқ, ёғдирмоқ; **~ камня́ми** тошбўрон қилмоқ.

ЗАШЕВЕЛИ́ТЬ *сов. чем* қимирлата (қўзғата, силкита) бошламоқ, ҳаракатга келтирмоқ; **~ па́льцами** бармоқларни қимирлата бошламоқ.

ЗАШЕВЕЛИ́/ТЬСЯ *сов.* қимирлай (ғимирлай, қўзғала, силкина) бошламоқ, ҳаракатга келмоқ; **ли́стья ~лись** барглар силкина бошлади; **толпа́ ~лась** оломон ҳаракатга келди.

ЗАШЕ́ЕК *м, р.* **-е́йка** *прост.* бўйиннинг орқаси; гардан.

ЗАШЕ́ЙНА *ж прост. то же, что* **зашее́к.**

ЗАШЕ́ЙНЫЙ, -ая, -ое гардандаги, бўйин орқасидаги.

ЗАШЕЛУДИ́ВЕТЬ *сов.* (*несов.* **шелуди́веть**) қўтир (қирчанғи) бўлиб қолмоқ.

ЗАШИБА́ТЬ *несов.* 1 *см.* **зашиби́ть**; 2 *прост.* ичиб (отиб) олмоқ, ичкиликбозлик қилмоқ, пиёниста бўлмоқ.

ЗАШИБА́ТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **зашиби́ться**; 2 *страд. от* **зашиба́ть** 1.

ЗАШИБИ́ТЬ, -бу́, -бёшь; -ши́б, -ши́бла *сов.* (*несов.* **зашиба́ть**) *прост.* 1 *кого-что* шикастлантирмоқ, шикаст бермоқ, лат едирмоқ, эзмоқ; майиб қилмоқ; ўлдирмоқ; **~ па́лец** бармоқни лат едирмоқ (эзиб қўймоқ); бармоққа шикаст етказмоқ; 2 *что* роса (кўп) топмоқ; **~ деньгу́** роса пул топмоқ.

ЗАШИБИ́ТЬСЯ, -бу́сь, -бёшься; -ши́бся, -ши́блась *сов.* (*несов.* **зашиба́ться**) *прост.* шикастланмоқ, шикаст топмоқ, лат емоқ, эзилмоқ, майиб бўлмоқ.

ЗАШИВА́ТЬ *несов. см.* **зашить.**

ЗАШИВА́ТЬСЯ *несов. см.* **зашиться.**

ЗАШИ́ТЬ, -шью́, -шьёшь *сов.* (*несов.* **зашива́ть**) *что* 1 тикмоқ, чатмоқ, ямамоқ; тикиб (чатиб, ямаб) қўймоқ; **~**

www.ziyouz.com kutubxonasi

прорéху йиртиқни ямамоқ; 2 ўраб (қоплаб, жойлаб) тикмоқ; ўзини тикиб қўймоқ; ~ **мешóк** қопнинг оғзини тикиб қўймоқ; ~ **посы́лку в холст** посилкани бўзга ўраб тикмоқ; 3 *спец.* тахта (тунука ва ҳ. к.) қоқмоқ, тахта (тунука ва ҳ. к.) билан қоплamоқ.

ЗАШИ́ТЬСЯ, -шью́сь, -шьёшься *сов. (несов.* **зашива́ться**) *прост.* уддасидан чиқолмай, довдираб қолмоқ, адашиб (чалкашиб) кетмоқ; йиқилмоқ; ~ **с рабо́той** ишнинг уддасидан чиқолмай (довдираб) қолмоқ.

ЗАШИФРОВА́ТЬ, -ру́ю, -ру́ешь *сов. (несов.* **шифрова́ть** и **зашифро́вывать**) *что* шифрламоқ, шифр билан ёзмоқ.

ЗАШИФРО́ВЫВАТЬ *несов. см.* **зашифрова́ть.**

ЗАШНУРОВА́ТЬ, -ру́ю, -ру́ешь *сов. (несов.* **шнурова́ть** и **зашнуро́вывать**) *что* шнурламоқ, шнур (тасма) билан боғламоқ, шнурлаб қўймоқ, тасмасини боғламоқ (тақмоқ); ~ **боти́нки** ботинкани шнурлаб қўймоқ, ботинканинг ипларини боғлаб олмоқ.

ЗАШНУРОВА́ТЬСЯ, -ру́юсь, -ру́ешься *сов. (несов.* **шнурова́ться** и **зашнуро́вываться**) шнурларини (ипларини) тортиб (боғлаб) олмоқ; ~ **в корсе́т** корсет кийиб, шнурларини боғлаб олмоқ.

ЗАШНУРО́ВЫВАТЬ *несов. см.* **зашнурова́ть.**

ЗАШНУРО́ВЫВАТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **зашнурова́ться;** 2 *страд. от* **зашнуро́вывать.**

ЗАШПАКЛЁВАТЬ, -лю́ю, -лю́ешь *сов. (несов.* **шпаклева́ть** и **зашпаклёвывать**) *что* шпаклёвка қилмоқ; ~ **пол** полни шпаклёвка қилмоқ.

ЗАШПАКЛЁВЫВАТЬ *несов. см.* **зашпаклева́ть.**

ЗАШПИ́ЛИВАТЬ *несов. см.* **зашпи́лить.**

ЗАШПИ́ЛИВАТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **зашпи́литься;** 2 *страд. от* **зашпи́ливать.**

ЗАШПИ́ЛИТЬ *сов. (несов.* **зашпи́ливать**) *что* шпилькаламоқ, шпилька (тўғноғич) қадамоқ; шпилька (тўғноғич) билан тақиб (маҳкамлаб) қўймоқ; ~ **плато́к** рўмолни тўғноғич билан қадаб қўймоқ; ~ **во́лосы** сочни (сочларни) шпилькаламоқ, сочга шпилька қадаб олмоқ.

ЗАШПИ́ЛИТЬСЯ *сов. (несов.* **зашпи́ливаться**) шпилька (тўғноғич) билан қадаб (тўғнаб) олмоқ.

ЗАШТА́ТНЫЙ, -ая, -ое *уст.* штатдан ташқари(даги), штатда бўлмаган (йўқ); ~ **чино́вник** штатдан ташқари амалдор; ✦ ~ **го́род** *уст.* уезднинг маркази бўлмаган, маъмурий аҳамияти йўқ шаҳари; кичкина шаҳар.

ЗАШТЕМПЕЛЁВАТЬ, -лю́ю, -лю́ешь *сов. (несов.* **штемпелева́ть** и **заштемпелёвывать**) *что* штемпелламоқ, штемпель (штамп) босмоқ, урмоқ; ~ **письмо́** хатга штамп (штемпель) босмоқ.

ЗАШТЕМПЕЛЁВЫВАТЬ *несов. см.* **заштемпелева́ть.**

ЗАШТО́ПАННЫЙ, -ая, -ое 1 *прич. от* **заштопа́ть;** 2 *в знач. прил.* тўрлаб ямалган (тузатилган); ямоқ; ~**е носки́** тўрлаб ямалган пайпоқ.

ЗАШТО́ПАТЬ *сов. (несов.* **што́пать** и **заште́пывать**) *что* тўрлаб ямамоқ (тузатмоқ, бутун қилмоқ); ~ **дыру́** тешикни тўрлаб ямамоқ (тузатмоқ).

ЗАШТО́ПЫВАТЬ *несов. см.* **заштопа́ть.**

ЗАШТО́РИВАТЬ *несов. см.* **заштори́ть.**

ЗАШТОРИ́ТЬ *сов. (несов.* **заштори́вать**) *что разг.* пардаламоқ, парда тутмоқ, парда тутиб бекитмоқ; ~ **о́кна** дераза ларга парда тутмоқ.

ЗАШТРИХОВА́ТЬ, -штриху́ю, -штрихуешь *сов. (несов.* **штрихова́ть** и **заштрихо́вывать**) *что* штрихламоқ, штрихлаб чиқмоқ, штрихлар (ингичка чизиқлар) билан тўлдирмоқ; ~ **чертёж** чертёжни штрихламоқ.

ЗАШТРИХО́ВЫВАТЬ *несов. см.* **заштрихова́ть.**

ЗАШТУКАТУ́РИВАТЬ *несов. см.* **заштукатури́ть.**

ЗАШТУКАТУ́РИТЬ *сов. (несов.* **заштукату́ривать**) *что* сувамоқ, суваб қўймоқ (чиқмоқ); ~ **потоло́к** шипни сувамоқ.

ЗАШТУКОВА́ТЬ, -ку́ю, -ку́ешь *сов. (несов.* **штукова́ть** и **заштуко́вывать**) *что спец.* чоки (улоғи) билинмайдиган қилиб ямамоқ, бутунламоқ, уламоқ; ~ **прорéху** йиртиқни билинмайдиган қилиб ямамоқ.

ЗАШТУКО́ВЫВАТЬ *несов. см.* **заштукова́ть.**

ЗАШУМЕ́/ТЬ, -млю́, -ми́шь *сов.* шовқинлай бошламоқ, шовқин кўтармоқ (қилмоқ); шовуллай (шувиллай) бошламоқ; **де́ти ~ли** болалар шовқинлай бошлади; **лес ~л** ўрмон шовиллай бошлади.

ЗАЩЕКОТА́ТЬ I, -очу́, -о́чешь *сов. кого-что* қитиқлайверіб жонини олмоқ, қитиқлаб қийнаб юбормоқ.

ЗАЩЕКОТА́ТЬ II, -очу́, -о́чешь *сов.* қитиқлай бошламоқ.

ЗАЩЕ́ЛКА *ж, р. мн.* **-лок** 1 *разг.* лўкидон, сурилма, занжир; 2 *тех.* зашчёлка (шиқ-шиқ қулф, механизм); ~ **портсига́ра** портсигар зашчёлкаси.

ЗАЩЁЛКАТЬ *сов.* 1 чиқиллай бошламоқ; шақиллатмоқ, шиқиллатмоқ, чиқиллатмоқ; чирқ-чирқ (шарақ-шуруқ) қилмоқ; 2 черта бошламоқ.

ЗАЩЁЛКИВАТЬ *несов. см.* **зашёлкнуть.**

ЗАЩЁЛКИВАТЬСЯ, -ается *несов.* 1 *см.* **зашёлкнуться;** 2 *страд. от* **зашёлкивать.**

ЗАЩЁЛКНУТЬ *сов. (несов.* **зашёлкивать**) *что* шиқ этиб бекитмоқ (ёпмоқ, қулфламоқ); ~ **кошелёк** ҳамённи шиқ этиб бекитмоқ.

ЗАЩЁЛКНУ/ТЬСЯ *сов. (несов.* **зашёлкиваться**) шиқ этиб бекилмоқ (ёпилмоқ, қулфланмоқ); **замо́к ~лся** қулф шиқ этиб бекилди.

ЗАЩЕМИ́ТЬ, -млю́, -ми́шь *сов. (несов.* **защемля́ть**) 1 *что* қисиб (сиқиб) олмоқ, қисиб (сиқиб) қўймоқ; ~ **клеща́ми** омбур билан қисиб олмоқ; ~ **па́лец в дверя́х** бармоқни эшикда қисиб олмоқ; 2 *безл. разг.* сиқилмоқ, танг бўлмоқ; **защеми́ло в груди́** кўкрагим сиқилди.

ЗАЩЕМИ́/ТЬСЯ, -и́тся *сов. разг.* сиқилиб (қисилиб) қолмоқ; **пла́тье ~лось в две́ри** кўйлак эшикка қисилиб қолди.

ЗАЩЕМЛЯ́ТЬ *несов. см.* **защеми́ть.**

ЗАЩЁЧНЫ/Й, -ая, -ое *ачат.* лунж (жағ) орқасидаги; ~**е мешки́** лунж орқасидаги қопчиқ (халта).

ЗАЩИПА́ТЬ, -ипл́ю, -и́плешь *сов. (несов.* **защи́пывать** 1) *кого-что* 1 *разг.* чимчилаб қийнамоқ, чимчилай бериб жонини олмоқ; 2 *прост.* тугмоқ, тугиб чимдиб қўймоқ (чучвара, сомса ва ш. к. ҳақида).

ЗАЩИПНУ́ТЬ *сов. (несов.* **защи́пывать** II) *что или чего* қисиб (сиқиб) олмоқ, чимдиб (қимтиб) олмоқ; ~ **волосо́к пинце́том** тукни мўйчинак билан қимтиб олмоқ (юлмоқ).

ЗАЩИ́ПЫВАТЬ I *несов. см.* **защипа́ть.**

ЗАЩИ́ПЫВАТЬ II *несов. см.* **защипну́ть.**

ЗАЩИ́Т/А *ж* 1 *по гл.* **защити́ть** и **защити́ться;** ~**а ми́ра** тинчликни ҳимоя қилмоқ; 2 ҳимоя, тўсиқ, ғов; **противота́нковая** ~**а** танкларга қарши тўсиқ (ғов); 3 ҳимоя, таянч, суянчиқ; соябон; **иска́ть ~ы** таянч (суянчиқ) қидирмоқ; **взять под свою́ ~у** ўз ҳимоясига (ҳимояси остига) олмоқ; 4 *собир. юр.* ҳимоя томони, ҳимоячилар, оқловчилар (судда); 5 *собир. спорт.* ҳимоячилар, ҳимоячи ўйинчилар; **игра́ть в ~е** ҳимояда ўйнамоқ.

ЗАЩИТИ́ТЕЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое ҳимоя қиладиган, ёқлайдиган, ёқловчи, ҳимоя...; ёқлаш...; ~**ая речь** ҳимоя нутқи.

ЗАЩИТИ́ТЬ, -ищу́, -ити́шь *сов. (несов.* **защища́ть**) 1 *кого-что* ҳимоя (мудофаа) қилмоқ, қўриқламоқ, сақламоқ; ~ **го́род** шаҳарни ҳимоя (мудофаа) қилмоқ; ~ **свою́ то́чку зре́ния** ўз нуқтаи назарини ҳимоя қилмоқ, 2 *кого-что* пана қилмоқ, сақламоқ; ~ **от хо́лода** совуқдан сақламоқ; ~ **глаза́ ладо́нью от со́лнечных лучей́** кўзини офтоб нуридан кафти билан пана қилмоқ; ~ **от дождя́** ёмғирдан пана қилмоқ; 3 *что* ёқламоқ, ҳимоя қилмоқ; ~ **диссерта́цию** диссертация ёқламоқ.

ЗАЩИТИ́ТЬСЯ, -ищу́сь, -ити́шься *сов. (несов.* **защища́ться**) 1 ўзини (ўз ерини, ватанини ва ҳ. к.) ҳимоя (мудофаа) қилмоқ, қўриқламоқ, сақланмоқ; ~ **от неприя́теля** душмандан ўзини ҳимоя қилмоқ; ~ **от обвине́ний** айблардан ўзини ҳимоя қилмоқ; 2 ўзини сақламоқ, пана қилмоқ, сақланмоқ; ҳимояланмоқ; ~ **от жары́** иссиқдан ўзини сақламоқ; 3 ёқламоқ, ҳимоя қилмоқ (диссертация ва ш. к. ни).

ЗАЩИ́ТНИК *м* 1 ҳимоячи, ҳимоя (мудофаа) қилувчи, мудофаа; **сла́вные ~и ро́дины** ватаннинг шавкатли ҳимоячилари; 2 *юр.* ҳимоячи; **речь ~а** ҳимоячи нутқи; 3 *спорт.* ҳимоячи; **пра́вый ~ кома́нды** команданинг ўнг ҳимоячиси.

ЗАЩИ́ТНИЦА *ж см.* **защи́тник** 1.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЗАЩИ́ТН/ЫЙ, -ая, -ое 1 ҳимоя (мудофаа) қиладиган, сақлайдиган, пана (ихота) қиладиган, сақловчи, паналовчи, сақлагич; **~ые очки́** сақлагич кўзойнак; **~ый скафа́ндр космона́вта** космонавтнинг сақлагич скафандри; **~ые лесны́е по́лосы** иҳота дарахтлари минтақалари; 2 *разг.* пистоқи рангли; **~ая гимнасти́рка** пистоқи рангли гимнастёрка; ✦ **~ая окра́ска** *биол.* асровчи тус (баъзи жониворларнинг муҳитга қараб ранг-тусини ўзгартиш хусусияти).

ЗАЩИЩА́ТЬ *несов.* 1 *см.* **защити́ть**; 2 *кого-что юр.* ҳимоя қилмоқ, ҳимоячи (оқловчи) бўлиб чиқмоқ (судда); **~ подсуди́мого** судланувчини ҳимоя қилмоқ.

ЗАЩИЩА́ТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **защити́ться**; 2 *страд. от* **защища́ть**.

ЗАЯВИ́ТЕЛЬ *м спец.* 1 даъво (иддао) қилувчи, иддаочи; заявка (талабнома) берувчи; 2 аризачи, арзгўй.

ЗАЯВИ́ТЕЛЬНИЦА *ж спец. см.* **заяви́тель.**

ЗАЯВИ́ТЬ, -явлю́, -я́вишь *сов.* (*несов.* **заявля́ть**) 1 *что о чем или с союзом что* билдирмоқ, изҳор қилмоқ, айтмоқ; **~ о своём согла́сии** ўз розилигини билдирмоқ; **~, что согла́сен** розилигини билдирмоқ, розиман деб айтмоқ; 2 арз қилмоқ, маълум (хабар) қилмоқ, хабар бермоқ, билдирмоқ; **~ о случи́вшемся в мили́цию** бўлган воқеа ҳақида милицияга хабар (арз) қилмоқ; 3 *что* даъво (иддао) қилмоқ, даъвогар бўлмоқ; **~ свои́ права́** *на что-л.* бирор нарсага ҳақ-ҳуқуқ даъво қилмоқ; 4 *что или о ком-чём* ўзини кўрсатмоқ (намоён қилмоқ); **худо́жник заяви́л себя́ как тала́нтливый пейзажи́ст** рассом ўзининг талантли пейзажист эканлигини кўрсатди; 5 *что уст.* тасдиқламоқ; қайд қилмоқ; гувоҳлантирмоқ; **~ докуме́нт у нота́риуса** ҳужжатни нотариусдан тасдиқлатмоқ (гувоҳлантирмоқ).

ЗАЯВИ́/ТЬСЯ, -явлю́сь, -я́вишься *сов.* (*несов.* **заявля́ться**) *разг.* келмоқ, қадам ранжида қилмоқ, пайдо бўлмоқ; **~лся к нам по́здно ве́чером** бизларникига кеч кириб қолганда келди.

ЗАЯВК/А *ж, р. мн.* **-вок** талабнома, заявка; **~а на земе́льный уча́сток** ер участкаси олиш учун талабнома; **дать ~у на то́пливо** ёқилғи учун заявка бермоқ.

ЗАЯВЛЕ́НИЕ *с* 1 баёнот; **~ прави́тельства** ҳукумат баёноти; **сде́лать ~ для печа́ти** матбуот учун баёнот бермоқ; **голосло́вное ~** қуруқ (асоссиз) гап; 2 ариза, арзнома, арз, арзу ҳол; **пода́ть ~ об о́тпуске** отпуска тўғрисида ариза бермоқ.

ЗАЯВЛЯ́ТЬ *несов. см.* **заяви́ть.**

ЗАЯВЛЯ́ТЬСЯ *несов. см.* **заяви́ться.**

ЗАЯДЛЫЙ, -ая, -ое *разг.* муккасидан кетган, ўтакетган, уччига чиққан, ашадди, ғирт; **~ шахмати́ст** муккасидан кетган шахматчи; **~ спо́рщик** уччига чиққан баҳсчи.

ЗА́ЯЦ *м, р.* **за́йца** 1 қуён; **трусли́в как ~** қуёндай қўрқоқ; **~- беля́к** тусини ўзгартирадиган қуён; **за двумя́ за́йцами погони́шься — ни одного́ не пойма́ешь** *посл.* иккита қуён кетидан қувлаган биттасини ҳам тутолмайди; икки кеманинг қуйруғини ушлаган — ботар (икки кемага оёқ қўйган — чўкар); 2 қуён териси (мўйнаси); 3 *разг.* билетсиз йўловчи, қуён; **е́хать за́йцем** билетсиз кетмоқ (трамвай, троллейбус, автобус ва ҳ. к. да).

ЗАЯЧ/ИЙ, -ья, -ье 1 қуёнга оид; қуён...; **~ья шку́рка** қуён териси; 2 қуён терисидан (мўйнасидан) қилинган; **~ья ша́пка** қуён терисидан тикилган қалпоқ; қуёнтери қалпоқ; 2 *перен. разг.* қуёндек қўрқоқ; юраксиз; **~ья нату́ра** қуёндек қўрқоқ нусха (одам); ✦ **~ья губа́** тиртиқ лаб.

ЗВА́НИ/Е *с* 1 унвон, фахрий ном; **во́инские ~я** ҳарбий унвонлар; **учёное ~е профе́ссора** профессорлик унвони; **~е го́рода-геро́я** қаҳрамон шаҳар деган фахрий ном; **быть досто́йным высо́кого ~я граждани́на Сове́тского Сою́за** Совет Иттифоқининг граждани деган фахрий номга муносиб бўлмоқ; 2 мансаб, мартаба; рутба, унвон; табақа, тоифа; **гра́фское ~е** графлик унвони; **духо́вное ~е** руҳонийлик рутбаси; ✦ **то́лько (одно́) ~е** *разг.* номигагина; қуруқ ном; **То́лько зва́нье, что го́род, а на са́мом де́ле — дыра́! Глушь...** (Скиталец) Номигагина шаҳар, аслида эса бир пучмоқ! Гадойтопмас жой...; **одно́ ~е оста́лось** қуруқ номигина қолди (қолган).

ЗВА́НЫЙ, -ая, -ое 1 чақирилган, таклиф қилинган (**этилган**), **чорланган**, **этувли**; **~ гость** чақирилган (этилган) меҳмон, этувли меҳмон 2 этувли меҳмонлар учун чақирилган; имлама; **~ обе́д** имлама зиёфат (этувли меҳмонлар учун).

ЗВА́ТЕЛЬНЫЙ: ~ **паде́ж** *грам.* ундаш (атов) келишиги (мурожаатни ифодаловчи от формаси).

ЗВАТЬ, зову́, зовёшь *несов. кого* 1 (*сов.* **позва́ть**) чақирмоқ; **~ по и́мени** отини айтиб чақирмоқ; **~ на по́мощь** ёрдамга чақирмоқ; 2 чақирмоқ, чорламоқ, этмоқ, таклиф қилмоқ; **~ в теа́тр** театрга таклиф қилмоқ; **~ в го́сти** меҳмондорчиликка чақирмоқ; 3 *кем* атамоқ, исм (ном) қўймоқ; **его́ зову́т Ива́ном** унинг исми Иван.

ЗВА́ТЬСЯ, зову́сь, зовёшься *несов.* аталмоқ, номланмоқ; **Крым зовётся всесою́зной здра́вницей** Қрим умумиттифоқ шифохонаси деб аталади.

ЗВЕ́ЗД/А *ж, мн.* **звёзды** 1 юлдуз; **Поля́рная ~а́** Қутб юлдузи, Олтинқозиқ; 2 *перен. уст.* бахт, толе, омад, тақдир, қисмат; **~а́ пое́та** шоирнинг толеи (тақдири); **ве́рить в свою́ ~у́** ўз толеига (тақдирига) ишонмоқ; 3 *перен.* юлдуз (донғи кетган энг машҳур артист, ўйинчи ва ҳ. к. ҳақида); **~а́ экра́на** экран юлдузи; **~а́ футбо́ла** футбол юлдузи; 4 юлдуз (геометрик шакл ва шаклдаги нишон); **пятиконе́чная ~а́** беш қиррали юлдуз; **нарисова́ть ~у́** юлдуз чизмоқ; **Звезда́ Геро́я Социалисти́ческого Труда́** Социалистик Меҳнат Қаҳрамони юлдузи; ✦ **восходя́щая ~а́ (светило́)** *см.* **восходя́щий; морска́я ~а́** *зоол.* денгиз юлдузи; **путево́дная ~а́** *см.* **путево́дный; звёзды с не́ба хвата́ть** юлдузни бенарвон урмоқ; **роди́ться под счастли́вой ~о́й** бахтли (омадли) бўлиб (бахт юлдузи остида) туғилмоқ; **счита́ть звёзды** юлдуз санамоқ, бекор (тоқи санаб) ётмоқ.

ЗВЕЗДАНУ́ТЬ *сов. прост.* қўйиб (солиб) қолмоқ, қаттиқ урмоқ, туширмоқ; **~ по голове́** бошига қўйиб қолмоқ (туширмоқ).

ЗВЕ́ЗДН/ЫЙ, -ая, -ое 1 юлдузга оид; юлдуз(лар)...; **~ая ка́рта** юлдузлар харитаси; 2 юлдузли; **~ая ночь** юлдузли кеча; 3 юлдузсимон; **~ая эстафе́та** юлдузсимон эстафета (турли томонлардан бир нуқтага йўналган эстафета); ✦ **~ая боле́знь** *разг. шутл.* кеккайиб кетиш, димоғи шишиш (донгдор кишилар, кўпинча спортчилар ҳақида); **~ый час** *высок.* энг юқори чўққи, авж; **~ый городо́к** космонавтлар шаҳарчаси.

ЗВЕЗДОЧЁТ *м* 1 *уст. то же, что* **астро́лог**; 2 звездочёт (денгиз балиғи).

ЗВЕ́ЗДОЧК/А *ж, р. мн.* **-чек** 1 *уменьш.-ласк. от* **звезда́** 1, 4; **нарисова́ть ~у** юлдузча чизмоқ; 2 юлдузча (белги); **поме́тить сно́ски в ру́кописи ~ами** қўл ёзмадаги сноскаларни юлдузча билан белгиламоқ; 3 *спец.* юлдузча (юлдуз шаклидаги деталь, шестерня); **~а гу́сеницы** гусеница юлдузчаси.

ЗВЕН/Е́ТЬ *несов.* (*сов.* **прозвене́ть**) 1 жарангламоқ, жирингламоқ; жингилламоқ; дарангламоқ; жаранг-журунг қилмоқ; **~и́т колоко́льчик** қўнғироқча жаранглаяпти; **~и́т голоса́** овозлар жарангламоқда; 2 *чем* жарангламоқ, жирингламоқ; **~е́ть моне́тами** танга-чақаларни жирингламоқ; ✦ **в уша́х ~и́т** қулоқлари(м) шанғиллаяпти.

ЗВЕНО́ *с, мн.* **зве́нья** 1 ҳалқа; **~ це́пи** занжир ҳалқаси; 2 *перен.* таркибий қисм, бўғин; **основно́е ~ произво́дства** ишлаб чиқаришнинг асосий таркибий қисми, бўғини; 3 *спец.* звено (бир турдаги узвий қисм, деталь); **зве́нья гу́сеницы** гусеница звенолари; 4 звено (энг кичик ташкилий бирлик); **пионе́рское ~** пионерлар звеноси; **полево́дческое ~** далачилик звеноси; **~ самолётов** самолётлар звеноси.

ЗВЕНЬЕВ/О́Й, -а́я, -о́е 1 *звено́* 4 га оид; звено...; **~о́й ме́тод** звено методи; **~о́й уча́сток** звено участкаси; 2 *в знач. сущ.* **~о́й** *м*, **~а́я** *ж* звено бошлиғи; **колхо́зный ~о́й** колхоз(даги) звено бошлиғи.

ЗВЕРЁК *м, р.* **-рька́** и **ЗВЕРО́К** *м, р.* **-рка́** *уменьш. от* **зверь** кичкина ҳайвон.

ЗВЕРЁНОК *м, р.* **-нка, мн. -ря́та** *разг.* ёввойи ҳайвон боласи.

ЗВЕРЁНЫШ *м разг. то же, что* **зверёнок.**

ЗВЕРЕ́ТЬ *несов.* (*сов.* **озвере́ть**) *разг.* қутурмоқ, қутуриб кетмоқ, ваҳшийлашмоқ, ёвузлашмоқ.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЗВЕРИ́НЕЦ *м, р.* **-нца** *уст.* и *разг.* ҳайвонотхона, ҳайвонот боғи.

ЗВЕ́РИН/ЫЙ, -ая, -ое 1 ёввойи (йиртқич) ҳайвонларга оид; ҳайвон(лар)...; **~ые ко́гти** ёввойи (йиртқич) ҳайвонлар(нинг) тирноғи; 2 ёвуз, ваҳшиёна, ваҳшийларча, ёвузларча, шафқатсиз, йиртқичларча; **~ые зако́ны капитали́зма** капитализмнинг ваҳшиёна қонунлари; 3 *перен. разг.* жуда кучли, зўр, ўткир, қаттиқ; **~ая ску́ка** жуда ҳам зерикиш; **~ая не́нависть** қаттиқ нафрат; ✦ **~ый стиль** (или **орна́мент**) ҳайвонларнинг тасвирлари аралаш нақшкорлик услуби (ўрта асрлар санъатида).

ЗВЕРОБО́Й I *м* денгиз овчиси.

ЗВЕРОБО́Й II *м* 1 *бот.* қизилпойча; 2 қизилпойча солинган арақ.

ЗВЕРОБО́ЙН/ЫЙ, -ая, -ое денгиз овчилигига оид, денгиз ови билан шуғулланадиган; денгиз ови...; **~ый про́мысел** денгиз овчилиги (иши, касби); **~ое су́дно** денгиз ови кемаси.

ЗВЕРОВО́Д *м* ҳайвонотчи, ҳайвонотчилик мутахассиси.

ЗВЕРОВО́ДСТВО *с* ҳайвонотчилик (мўйнали ҳайвонлар боқиш, асраш ва урчитиш); **занима́ться ~м** ҳайвонотчилик билан шуғулланмоқ.

ЗВЕРОВО́ДЧЕСКИЙ, -ая, -ое ҳайвонотчиликка оид; ҳайвонотчилик...; **~ совхо́з** ҳайвонотчилик совхози.

ЗВЕРО́К *см.* **зверёк.**

ЗВЕРОЛО́В *м* ҳайвон тутувчи овчи.

ЗВЕРОЛО́ВНЫ/Й, -ая, -ое ҳайвон овлашга (тутишга) оид; ҳайвон овлаш (тутиш)...; **~й про́мысел** ҳайвон овлаш касби; **~е сна́сти** ҳайвон овлаш (тутиш) асбоб-анжомлари.

ЗВЕРОПОДО́БНЫЙ, -ая, -ое; -бен, -бна ҳайвонсифат, ҳайвонга ўхшаган; ҳайвондай; **~ вид** ҳайвонсифат қиёфа.

ЗВЕРОФЕ́РМА *ж* ҳайвонотчилик фермаси.

ЗВЕ́РСК/ИЙ, -ая, -ое 1 ёвуз, ваҳшиёна, ҳайвонларча, йиртқичларча, шафқатсиз; **~ое у́бийство** ваҳшиёна ўлдириш (қотиллик); 2 *разг.* жуда қаттиқ, кучли, даҳшатли, зўр; **~ая жара́** жуда қаттиқ (жазирама) иссиқ; **у него́ ~ий аппети́т** иштаҳаси карнай (зўр).

ЗВЕ́РСТВ/О *с* 1 ёвузлик, ваҳшийлик, йиртқичлик, шафқатсизлик; 2 *мн.* **~а** ваҳшиёна иш (қилмиш, ҳаракат); **ваҳшат; фаши́стские ~а** фашистларнинг ваҳшиёна ишлари (қилмишлари).

ЗВЕ́РСТВОВАТЬ *несов.* ваҳшийларча иш қилмоқ, ваҳшийлик (ёвузлик, шафқатсизлик) қилмоқ.

ЗВЕРУ́ШКА и **ЗВЕРЮШКА** *ж, р. мн.* **-шек** *разг. уменьш.-ласк. от* **зверь** кичкина ҳайвон.

ЗВЕР/Ь *м, р. мн.* **-ре́й** 1 йиртқич ҳайвон; ёввойи ҳайвон; ҳайвон; **пушно́й ~ь** мўйнали ҳайвон; 2 *перен.* ёвуз одам, йиртқич, ваҳший, золим; ✦ **кра́сный ~ь** *см.* **кра́сный; смотре́ть ~ем** ўқрайиб (ҳўмрайиб) қарамоқ; еб қўйгудек бўлиб қарамоқ.

ЗВЕРЬЁ *с собир. разг.* йиртқич (ёввойи) ҳайвонлар.

ЗВЕРЮГА *м* и *ж разг. то же, что* **зверь.**

ЗВЕРЮШКА *см.* **зверу́шка.**

ЗВО́Н *м* 1 жаранг, жиринг; жаранглаган (жиринглаган) овоз; жаранглаш; **~ колокола́** қўнғироқ овози (жаранги); **~ стака́нов** стаканларнинг жаранглаши; **слы́шал ~, да не зна́ет, где он** *погов.* билар-билмас валдирайверади; 2 *перен. разг* миш-миш, шов-шув, овоза.

ЗВОНА́РЬ *м, р.* **-ря́** 1 қўнғироқчи, қўнғироқ чалувчи (черковда); 2 *перен. прост.* миш-миш (ёлғон-яшиқ гап, овоза) тарқатувчи, ғийбатчи, миш-мишчи.

ЗВОНИ́ТЬ, -ню́, -ни́шь *несов.* 1 (*сов.* **позвони́ть**) жаранглатмоқ, жиринглатмоқ, чалмоқ, урмоқ; **~ в колокола́** қўнғироқларни чалмоқ; 2 (*сов.* **позвони́ть**) жарангламоқ, жиринглламоқ; **телефо́н звони́т** телефон жиринглаяпти; 3 (*сов.* **позвони́ть**) *кому* телефон (қўнғироқ) қилмоқ, телефонда (телефон орқали) чақирмоқ; **~ по телефо́ну** телефон (қўнғироқ) қилмоқ; 4 *перен. о ком-чём прост.* миш-миш (ёлғон-яшиқ гап овоза) тарқатмоқ; ғийбат қилмоқ, даранг-дурунг қилмоқ; **~ повсю́ду** ҳамма ёқда даранг-дурунг гап қилиб юрмоқ; ✦ **~ во все колокола́** ҳамма ёққа жар солмоқ, ҳамма жойда гап тарқатиб юрмоқ.

ЗВОНИ́ТЬСЯ, -ню́сь, -ни́шься *несов. разг.* қўнғироқ тугмасини босмоқ, қўнғироқни жиринглатиб чақирмоқ.

ЗВО́НК/ИЙ, -ая, -ое; -нок, -нка́, -нко 1 жаранглаган, жаранглайдиган, жарангловчи, жаранглама, жарангдор; **~ий го́лос** жаранглама (жарангдор) овоз; **~ий колоко́льчик** жаранглама қўнғироқча; 2 *перен.* гувиллаган, акс садо берадиган; **~ий бор** гувиллайдиган (акс садо берадиган) ўрмонзор; ✦ **~ая моне́та** жиринғчақа, муллажиринг; **~ий согла́сный** *лингв.* жарангли ундош; **~ая фра́за** тамтароқли гап.

ЗВОНКО́В/ЫЙ, -ая, -ое қўнғироққа оид; қўнғироқ...; **~ая кно́пка** қўнғироқ кнопкаси (тугмаси).

ЗВОНКОГОЛО́С/ЫЙ, -ая, -ое товуши (овози) жаранглама, жаранглама (жаранглайдиган) овозли; овози қўнғироқдай; **~ая детвора́** овози қўнғироқдай болалар.

ЗВО́ННИЦ/А *ж* қўнғироқхона (қадимий черковларда).

ЗВОНО́К *м, р.* **-нка́** 1 қўнғироқ, звонок; **председа́тельский ~** раислик қилувчи(нинг) қўнғироғи; **дверно́й ~** эшик қўнғироғи; **электри́ческий ~** электр қўнғироқ; 2 қўнғироқ (звонок) овози; қўнғироқ; **разда́лся ~** қўнғироқ овози эшитилди, қўнғироқ чалинди; **заня́тия начина́ются по звонку́** дарслар қўнғироқ бўйича бошланади; 3 *разг.* қўнғироқ, телефон (телефон орқали бўлган расмий гап); **~ из министе́рства** министрликдан қилинган телефон (қўнғироқ).

ЗВУК *м* 1 товуш, овоз, садо, сас, ун; **~ вы́стрела** отиш (ўқ) овози; **музыка́льный ~** музикавий (мусиқий) товуш; 2 *физ.* товуш; **неслы́шимые ~и** эшитилмайдиган товушлар; **ско́рость ~а** товуш тезлиги; 3 *лингв.* товуш; **гла́сные ~и** унли товушлар; **~и ру́сского языка́** рус тили товушлари; ✦ **ни ~а** чурқ этган овоз (товуш) йўқ; жимжит; чурқ этмайди, садо бермайди; **без ~а** (согласи́ться, утверди́ть и т. п.) *разг.* чурқ этмай, ғинг демай, сўзсиз (рози бўлмоқ, тасдиқламоқ ва ҳ. к.).

ЗВУКОВ/ОЙ, -а́я, -о́е 1 *физ. лингв.* товушга оид; товуш...; **~а́я волна́** товуш тўлқини; 2 овозли, товушли; овоз..., товуш...; **~о́й фильм** овозли фильм; **~о́й сигна́л** товушли сигнал, товуш сигнали.

ЗВУКОЗАПИСЫВАЮЩ/ИЙ, -ая, -ее товуш (овоз) ёзадиган, товушни (овозни) ёзиб оладиган; товуш (овоз) ёзиш...; **~ая аппарату́ра** товуш ёзиш аппаратлари.

ЗВУКОЗА́ПИС/Ь *ж* товушни (овозни) ёзиб олиш; товуш (овоз) ёзиш...; **дом ~и** товуш ёзиш уйи.

ЗВУКОИЗОЛЯЦИО́ННЫ/Й, -ая, -ое товушни изоляциялайдиган; **~е материа́лы** товушни изоляциялайдиган материаллар.

ЗВУКОИЗОЛЯ́ЦИЯ *ж* чет товушларни изоляциялаш (ўтмайдиган, эшитилмайдиган қилиш); **~ за́ла** залнинг товуш изоляцияси (чет товушлардан холилиги).

ЗВУКОНЕПРОНИЦА́ЕМЫ/Й, -ая, -ое товуш ўтказмайдиган; **~е сте́ны** товуш ўтказмайдиган деворлар.

ЗВУКООПЕРА́ТОР *м* товуш (овоз) оператори, звукооператор.

ЗВУ́КОПИСЬ *ж спец.* жарангдорлик (нутқни жарангдор қилиш йўллари мажмуи).

ЗВУКОПОДРАЖА́НИЕ *с* 1 тақлидий товуш; 2 *лингв.* тақлидий сўз.

ЗВУКОПОДРАЖА́ТЕЛЬНЫ/Й, -ая, -ое товушга тақлид йўли билан ҳосил қилинган, тақлидий; **~е слова́** тақлидий сўзлар.

ЗВУКОПРОВО́ДНОСТЬ *ж* товуш ўтказувчанлик; товушни ўтказиш; **~ среды́** муҳитнинг товуш ўтказувчанлиги.

ЗВУКОПРОВО́ДЯЩ/ИЙ, -ая, -ее товушни ўтказувчи, товуш ўтказадиган; **~ая среда́** товушни ўтказувчи муҳит.

ЗВУКОПРОНИЦА́ЕМ/ЫЙ, -ая, -ое товушни ўтказувчи, товуш ўтадиган (ўтиб кетадиган); **~е перегоро́дки** товушни ўтказадиган (товуш ўтадиган) тўсиқлар (деворлар).

ЗВУКОРЯ́Д *м муз.* товушлар қатори (сираси), товушқатор; **гармони́ческий ~** гармоник товушлар қатори, гармоник товушқатор.

ЗВУКОСНИМА́ТЕЛЬ *м спец.* товуш олгич, адаптер.

ЗВУКОСОЧЕТА́НИЕ *с* товушлар бирикмаси; **мелоди́ческое ~** оҳангдор товушлар бирикмаси.

ЗВУКОУЛАВЛИВА́ТЕЛЬ *м* товуштутгич (самолёт ёки сув ости кемаси товушини тутадиган асбоб).

ЗВУКОУСИЛИ́ТЕЛЬ *м* товушкучайтиргич.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЗВУЧА́НИЕ *с* 1 *по гл.* **звуча́ть** 1, 2; 2 *перен. книжн.* садо, аҳамият, моҳият, маъно; **революцио́нное ~** революцион маъно, революцион аҳамият.

ЗВУЧ/А́ТЬ, -чи́т *несов.* 1 овоз (товуш) чиқармоқ, садоланмоқ, жаранглатмоқ, янграмоқ; **стру́ны ~а́т** торлар бўғиқ овоз чиқармоқда (садоланмоқда); 2 *чем* жаранглатмоқ, тарақлатмоқ; **~а́ть шпо́рами** шпораларини жаранглатмоқ; 3 эшитилмоқ, келмоқ; **вдали́ ~а́т голоса́** узоқдан товушлар эшитилмоқда; 4 *перен.* кўринмоқ, сезилмоқ, намоён бўлмоқ; билиниб турмоқ; **го́лос ~и́т трево́гой** товушидан хавотирлик аломатлари сезилади; **в вопро́се ~и́т сомне́ние** саволдан шубҳа билиниб турибди; 5 *перен. разг.* бирор тарзда қабул қилинмоқ, эшитилмоқ, жаранглатмоқ; бирор маъно ифодаламоқ.

ЗВУ́ЧНЫЙ, -ая, -ое; -чен, -чна 1 жаранглаган, жарангдор, тиниқ, қўнғироқдай; **~ го́лос** жарангдор овоз; 2 овози тиниқ, жаранглаган, жаранглама, жарангдор, янгроқ; **~ рояль** овози тиниқ (жаранглама) рояль.

ЗВЯКАТЬ *несов. см.* **звя́кнуть.**

ЗВЯКН/УТЬ *сов.* 1 (*несов.* **звя́кать**) *чем* и *без доп.* жиринглатмоқ, жаранглатмоқ, шақирлатмоқ; **~уть ключа́ми** калитларни шақирлатмоқ; 2 *кому прост.* қўнғироқ (телефон) қилмоқ; **~и мне ве́чером** менга кечқурун қўнғироқ (телефон) қилгин.

ЗГИ: ни зги́ (не ви́дно) қоп-қоронғи, зимистон, ҳеч нарсани кўриб бўлмайди.

ЗДА́НИ/Е *с* бино, иморат; **обще́ственные ~я** жамоатчилик бинолари.

ЗДЕСЬ *нареч.* 1 бу ерда (жойда, ёқда), шу ерда (жойда, ёқда); бунда; **живу́ ~ давно́** шу ерда анчадан буён яшайман; 2 *разг.* бу ҳолда (тақдирда, ўринда), бунда ҳеч қандай айбли (айбситадиган) нарса йўқ; бунинг айби (айбли жойи) йўқ.

ЗДЕШНИ/Й, -яя, -ее *разг.* шу ерлик (жойлик), маҳаллий; бу ердаги; **~е жи́тели** шу ерда яшовчилар (кишилар); шу ерлик аҳоли; **вы ~й?** сиз шу ерликмисиз?; **~е це́ны** бу ердаги нарх-наволар.

ЗДОРО́ВАТЬСЯ *несов.* кўришмоқ, сўрашмоқ, саломлашмоқ, омонлашмоқ; **~ за́ руку** қўл бериб кўришмоқ.

ЗДОРОВЕ́НН/ЫЙ, -ая, -ое 1 барваста, норғул, гавдали, жуссали; давангирдай, гунгурсдай, азамат; **~ый па́рень** норғул (азамат) йигит; 2 жуда катта, азамат, азим, ҳайбатли, кучли, қаттиқ, зўр; **~ое бревно́** йўғон хода (хари); **моро́з ~ый** қаттиқ совуқ, қаҳратон.

ЗДОРОВЕ́ТЬ *несов.* соғаймоқ, соғломлашмоқ, соғлиғи яхшиланмоқ, соғайиб кетмоқ, бақувват тортмоқ.

ЗДОРОВИ́ЛА *м* и *ж прост.* соғлом, барваста одам, азамат; **вон ты како́й ~!** оҳо, қанақа барваста бўлиб кетибсан.

ЗДОРО́ВИ/ТЬСЯ, -ится *безл. несов. разг.* соғлиғи дуруст (яхши) бўлмоқ; **как ~тся?** соғлиғингиз қалай (яхшими)?; **мне что́-то не ~тся** тобим (мазам) қочиб турибди, мазам йўқроқ.

ЗДОРО́ВО *нареч. прост.* 1 жуда, жуда ҳам, роса, яхшигина; **~ уста́л** жуда (роса, яхшигина) чарчадим; 2 жуда яхши (соз), боплаб, ўринлатиб, қойиллатиб; **~ ска́зано** боплаб гапирилган, жуда яхши айтилган; **~ сде́лано** боплаб қилинган, қойиллатиб (қойил қилиб) ишланган; **э́то ~!** ана бу қойил!

ЗДОРО́ВО I *межд. прост.* салом, яхшимисиз, омонмисиз; **✦ (за) ~ живёшь** бекорга, бекордан-бекорга, сабабсиз.

ЗДОРО́ВО II 1 *нареч.* соғ-саломат, соғлом; 2 *в знач. сказ.* соғлиқ учун яхши, фойдали; **де́тям ~ спать на во́здухе** очиқ ҳавода ухлаш болалар соғлиғи учун фойдали.

ЗДОРО́В/ЫЙ, -ая, -ое 1 соғ, соғлом, тани соғ, сиҳат-саломатлиги яхши; **~ый ребёнок** соғлом бола; **~ый организ́м** соғлом организм; **~ое се́рдце** соғ юрак; 2 соғлом, тоза; **~ый вид** соғлом кўриниш; **~ый румя́нец** соғлом (тоза) қизиллик (юз қизиллиги, ранги); 3 фойдали, соф, саломатлик учун яхши (ёқадиган); **~ая пи́ща** фойдали овқат; **~ый во́здух** соф (соғлом) ҳаво; 4 *перен.* соғлом, тўғри, тузук, дуруст; **~ая иде́я** соғлом фикр, тўғри идея; 5 бақувват, тетик, бардам; гавдали, жуссали; азамат; **~ый па́рень** бақувват (азамат) йигит; 6 катта, қаттиқ, кучли, **зўр; ~ый моро́з қаттиқ совуқ; 7 *в знач. сказ.* на что и с** *неопр. прост.* моҳир, уста, эпчил, чечан, устаси фаранг; суяги йўқ; он ~ плясáть у ўйинга тушишга уста; **ма́льчик ~ на вы́думки** ўйлаб чиқаришга уста бола; **✦ будь(те) ~(ы)!** 1) хайр, хўш (яхши) қол(инг)!; 2) соғ бўл(инг)! (аксирганда айтилади).

ЗДОРО́ВЬ/Е *с* 1 соғлиқ, тани соғлик, соғломлик, сиҳатлик, сиҳат-саломатлиги яхшилик; **состоя́ние ~я** соғлиғи (аҳволи), саломатлиги; **бере́чь ~е** соғлиқни асрамоқ; **потеря́ть ~е** соғлигини йўқотмоқ; **кре́пкое ~е** сиҳат-саломатлиги (соғлиғи) яхшилик (бақувватлик); **сла́бое ~е** соғлиги заиф; 2 саломатлик, ҳол-аҳвол; **как ~е?** соғлигингиз (аҳволингиз) қалай; **✦ (за) ва́ше ~е** сизнинг соғлигингиз учун; **на (до́брое) ~е** ош бўлсин, марҳамат, баҳузур; **е́шьте на ~е!** марҳамат, олинг (еб-ичиб, ўтиринг)!

ЗДОРОВЯ́К *м, р.* **-а́** *разг.* бақувват (гавдали) одам, азамат.

ЗДОРОВЯ́ЧКА *ж, р. мн.* **-чек** *см.* **здоровя́к.**

ЗДРАВИ/Е *с уст. то же, что* **здоро́вье; ✦ во ~е** ош бўлсин, марҳамат; **нача́ть за ~е, а ко́нчить за упоко́й** бошида мақтаб, охирида ерга урмоқ, яхшилаш билан бошлаб, ёмонлаб тугатмоқ; кўтариб туриб ерга урмоқ; тўйни азага айлантирмоқ; **~я жела́ю** соғ бўлинг (ҳарбийларда).

ЗДРАВИЦ/А *ж высок.* шарафлаб айтилган қисқа нутқ; табрик хитоблари; **провозгласи́ть ~у за сове́тский наро́д** совет халқи шарафига табрик хитоблари айтмоқ.

ЗДРА́ВНИЦ/А *ж* шифохона; **де́тская ~а** болалар шифохонаси; **ю́жные ~ы** жануб шифохоналари; **Крым — всесою́зная ~а** Қрим — умумиттифоқ шифохонаси.

ЗДРАВОМЫСЛИ́Е *с книжн.* тўғри (соғлом, ақлга мувофиқ) фикр юритиш; соғлом фикр, бамаънилик; **обла́дать ~м** соғлом фикр юритмоқ.

ЗДРАВОМЫСЛЯЩИЙ, -ая, -ее тўғри (соғлом) фикрли, бамаъни; **~ челове́к** соғлом фикрли одам.

ЗДРАВООХРАНЕ́НИ/Е *с* соғлиқни сақлаш; **министе́рство ~я** соғлиқни сақлаш министрлиги; **расхо́ды на ~е** соғлиқни сақлаш учун кетадиган сарф-харажатлар.

ЗДРАВООХРАНИ́ТЕЛЬНЫ/Й, -ая, -ое соғлиқни сақлашга оид, қаратилган; соғлиқни сақлаш...; **~е мероприя́тия** соғлиқни сақлаш тадбирлари.

ЗДРА́ВСТВ/ОВАТЬ *несов. книжн.* 1 соғ (саломат, сиҳат-саломат) бўлмоқ, соғ-саломат яшамоқ, яшаб турмоқ, барҳаёт бўлмоқ; **Всё моё семе́йство ~ует и шлёт Вам покло́н** (Чехов) Барча оила аъзоларим(из) соғ-саломат ва Сизга салом йўллайдилар; 2 *пов.* **~ уй(те)** ассалому алайкум, салом; 3 *пов.* **~ уй(те)** *в знач. межд. разг.* ана холос; ҳорманг энди; **вот и ~уйте: что получи́лось-то?** ана холос, нима бўлди энди!; **✦ да ~ует!** яшасин!; **да ~ует на́ша социалисти́ческая Ро́дина!** яшасин социалистик Ватанимиз!

ЗДРАВ/ЫЙ, -ая, -ое 1 соғлом, тўғри, дуруст, тузук, салим; **~ый ум** соғлом ақл; **~ая мысль** тўғри (соғлом) фикр; 2 *уст. то же, что* **здоро́вый 1; ~ и невреди́м** соғ-саломат; **в ~ом уме́ и твёрдой па́мяти** ақли-ҳуши жойида ва хотираси ҳам яхши; 3 *в знач. нареч.* **~о** тўғри, соғлом, ақлга мувофиқ; **~о рассужда́ть** *о чём-л.* тўғри фикр юргизмоқ.

ЗЕ́БРА *ж* зебра.

ЗЕ́БУ *м нескл.* зебу.

ЗЕВ *м* 1 ҳалқум; 2 *уст.* и *обл.* оғиз; **~льва** шернинг оғзи.

ЗЕВА́КА *м* и *ж разг.* анқов, меров; санқи, бекорчи.

ЗЕВА́ТЕЛЬНЫ/Й, -ая, -ое эснашга (эсноққа) оид; эснаш...; эсноқ...; **~е движе́ния** эснаш (эсноқ) ҳаракати.

ЗЕВА́ТЬ *несов.* 1 (*сов.* **зевну́ть**) эснамоқ, эсноқ тортмоқ; 2 *разг.* анқайиб (анграйиб) юрмоқ, анқовсираб (анграйиб) қарамоқ; **~ по сторона́м** атрофига анқовсираб (анграйиб) қарамоқ; 3 (*сов.* **зевну́ть**) *что разг.* овсарлик қилиб қўлдан бермоқ, фойдалана олмай қолмоқ.

ЗЕВНУ́ТЬ *сов. однокр. см.* **зева́ть** 1, 3.

ЗЕВО́К *м, р.* **-вка́** 1 эсноқ, бир эснаш; **глубо́кий ~** чуқур эсноқ; **разда́лся протя́жный ~** узун эсноқ товуши эшитилди; 2 *прост.* овсарлик (анқовлик) қилиш.

ЗЕВО́ТА *ж* эснаш, эсноқ тортиш, эсноқ; **~ напа́ла** эснагим келиб қолди; эсноқ тутди.

ЗЕЛЕНЕ́/ТЬ *несов.* 1 кўкармоқ, кўм-кўк (ям-яшил) бўлмоқ (барг ёзиб, майса билан қопланиб); **луга́ ~ют ўт-**

www.ziyouz.com kutubxonasi

лоқларни майса қоплади, ўтлоқлар ям-яшил бўлди; 2 кўкармоқ, яшил (кўк) тусга кирмоқ, сабз (сабза) урмоқ; **брóнза ~ет** бронза кўкариб қолмоқда; 3 *разг.* кўкармоқ, бўзармоқ; **~ть от дóлгого купáнья** чўмилавериб кўкариб (бўзариб) кетмоқ; **~ть от злóсти** ғазабдан кўкариб кетмоқ; 4 кўкариб (яшил, кўм-кўк бўлиб) кўринмоқ; **вдалú ~ют лесá** узоқдан ўрмонлар кўкариб кўринмоқда.

ЗЕЛЕНЕ́/ТЬСЯ *несов. то же, что* **зеленéть** 4; **даль степéй ~ется** йироқ-йироқ чўллар кўкариб кўриниб турибди.

ЗЕЛЕНИ́ТЬ *несов. что* кўкартирмоқ, кўкка (яшил рангга) бўямоқ.

ЗЕЛЁНКА *ж разг.* кўкдори, зелёнка.

ЗЕЛЕНН/ОЙ, -áя, -óе кўкат..., резавор...; **~áя лáвка** кўкат (резавор) дўкони.

ЗЕЛЕНОГЛА́ЗЫЙ, -ая, -ое яшил кўзли, фирузакўз.

ЗЕЛЕНЩИ́К *м, р.* **-á** кўкчи, кўкатчи, кўкатфуруш.

ЗЕЛЕНЩИ́ЦА *ж см.* **зеленщи́к.**

ЗЕЛЁН/ЫЙ, -ая, -ое 1 яшил, барг ранг, сабза, кўк; кўм-кўк, ям-яшил; **~ая трава́** кўм-кўк ўт; **~ый цвет** яшил ранг; **~ый чай** кўк чой; 2 *разг.* бўзарган, кўкарган, бўз (юз ранги ҳақида); 3 кўкалам, кўкаламзор, кўм-кўк, ям-яшил; **~ое пóле** ям-яшил майдон; **~ые насажде́ния** дарахтзор (ўтқазилган дарахтлар); 4 кўк, барра; **~ый лук** кўк (барра) пиёз; 5 кўкатдан қилинган (тайёрланган), кўкат солинган; кўк, кўкат...; **~ые щи** кўк (кўкатлардан тайёрланган) шчи; **~ый корм** кўк озуқа (беда, пичан); 6 хом, ғўр, думбул, пишмаган; **~ые я́блоки** хом (ғўр) олмалар; 7 *перен. разг.* ғўр, хом, ёш, бўз, тажрибасиз; **~ый юне́ц** хом йигит, бўз бола; ✦ **~ая у́лица** яшил йўл, йўл очиқ; **~ый свет** яшил ранг (ҳеч қандай монелик, тўсқинлик йўқлигини билдирувчи белги).

ЗЕ́ЛЕН/Ь *ж* 1 *собир.* майса, ўт; ўсимликлар, барглар; кўкаламзор; **дом утопáет в ~и сáда** уй боғ-роғлар орасида (ўсимликлар ичида) кўмилиб кетган; **сóчная ~ь лу́га** ўтлоқнинг ширадор майсаси (ўтлари); 2 *собир.* кўкат резавор, сабзавот; **прода́жа све́жей ~и** янги кўкатлар савдоси; 3 яшил (сабза) ранг, баргикарам; **~ь ковра́** гиламнинг яшил ранги; 4 *разг.* кўк, занг; **медь покры́лась ~ью** мис кўкариб кетибди, миснинг бетини кўк (занг) босибди; 4 кўк бўёқ; **ци́нковая ~ь** рух кўк бўёғи; **пари́жская ~ь** Париж кўк бўёғи.

ЗЕЛЕНЯ́ *мн. обл.* ғалла майсаси; **В ~х утону́ла доро́жка** (Блок) Сўқмоқ (йўл) ғалла майсаси орасида кўмилиб кетди (кетган).

ЗЕЛО́ *нареч. уст.* и *шутл.* жуда, жуда ҳам, ғоят.

ЗЕ́ЛЬЕ *с, р. мн.* **-лий** 1 ўт, майса, ўсимлик; 2 *уст.* ўт дамламаси (ўтмишда дори, заҳар сифатида ёки иссиқ-совуқ қилиш учун ишлатилган турли дамламалар); **приворо́тное ~** иситадиган (сеҳрли) дамлама; 3 *прост.* чой, кофе, тамаки ва ҳ. к.; 4 *шутл.* арақ, май; 5 *разг.* заҳар, қумрон одам, писмиқ; 6 *уст.* порох, дори.

ЗЕМЕ́ЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое 1 ерга оид; ер...; **~ый уча́сток** ер участкаси; 2 ердан фойдаланишга оид; ерга эгалик билан боғлиқ бўлган; ер...; **~ый ко́декс** ер ҳақидаги кодекс; **~ая рефо́рма** ер ислоҳоти; **~ая ре́нта** ер рентаси.

ЗЕМЛЕБИ́ТН/ЫЙ, -ая, -ое гуваладан (ёки пахсадан) қилинган; гувала...; пахса...; **~ая стена́** гувала (пахса) девор.

ЗЕМЛЕВЛАДЕ́ЛЕЦ *м, р.* **-льца** ердор, заминдор, ер эгаси (буржуа-дворян жамиятида); **кру́пный ~** йирик ер эгаси, йирик заминдор, амлокдор.

ЗЕМЛЕВЛАДЕ́ЛИЦА *ж см.* **землевладе́лец.**

ЗЕМЛЕВЛАДЕ́ЛЬЧЕСКИ/Й, -ая, -ое ерга эгаликка ва ер эгаларига, заминдорга оид; ерга эгалик (заминдорлик) билан боғлиқ бўлган; **~е дохо́ды** заминдорликдан келадиган даромад.

ЗЕМЛЕВЛАДЕ́НИЕ *с* 1 *книжн.* ерга эгалик, заминдорлик, амлокдорлик; 2 *спец.* кимсага қарашли ер-мулк, амлок.

ЗЕМЛЕДЕ́ЛЕЦ *м, р.* **-льца** деҳқон, зироатчи.

ЗЕМЛЕДЕ́ЛИ/Е *с* 1 деҳқончилик, зироатчилик; **высо́кая культу́ра ~я** юксак деҳқончилик маданияти; 2 деҳқончилик (зироатчилик) илми; **о́бщее ~е** умумий деҳқончилик (илми); **ча́стное ~е** хусусий деҳқончилик (илми).

ЗЕМЛЕДЕ́ЛЬЧЕСК/ИЙ, -ая, -ое деҳқончиликка (зироатчиликка) ва деҳқонларга оид; деҳқончилик...; зироатчилик...; **~ий райо́н** деҳқончилик (зироатчилик) райони; **~ие маши́ны** деҳқончилик машиналари; **~ий о́пыт** деҳқончилик тажрибаси; **~ая арте́ль** деҳқончилик артели.

ЗЕМЛЕКО́П *м* ерков, ер ковловчи (қазувчи).

ЗЕМЛЕКО́ПНЫЙ, -ая, -ое ер ковлашга оид; ер ковлайдиган; ер ковлаш...; **~ инструме́нт** ер ковлаш асбоблари.

ЗЕМЛЕМЕ́Р *м* ер ўлчовчи; танобчи (*эск.*); землемер.

ЗЕМЛЕМЕ́РИЕ *с уст. то же, что* **геоде́зия.**

ЗЕМЛЕМЕ́РНЫ/Й, -ая, -ое ер ўлчашга оид; ер ўлчаш...; **~е рабо́ты** ер ўлчаш ишлари.

ЗЕМЛЕПА́ШЕСТВО *с уст. то же, что* **земледе́лие** 1.

ЗЕМЛЕПА́ШЕЦ *м, р.* **-шца** *уст. то же, что* **земледе́лец.**

ЗЕМЛЕПОЛЬЗОВАНИ/Е *с спец.* ердан фойдаланиш ва унинг тартиби; **~е колхо́зов** колхозларнинг ердан фойдаланиш тартиби; **рефо́рма ~я** ердан фойдаланиш тартибини реформа (ислоҳ) қилиш.

ЗЕМЛЕПРОХО́Д/ЕЦ *м, р.* **-дца** тадқиқотчи сайёҳ (ўтмишда янги ерларни очиш учун юриш қилган тадқиқотчилар); **ру́сские ~цы** рус тадқиқотчи сайёҳлари.

ЗЕМЛЕРО́Б *м уст. то же, что* **земледе́лец.**

ЗЕМЛЕРО́ЙКА *ж, р. мн.* **-óек** *зоол.* ерқазар (ҳашарот).

ЗЕМЛЕРО́ЙНЫ/Й, -ая -ое ер ковлайдиган, ер ковлаш...; **~е маши́ны** ер ковлайдиган машиналар.

ЗЕМЛЕСО́С *м* землесос.

ЗЕМЛЕСО́СН/ЫЙ, -ая, -ое землесосга оид; землесос...; **~ая устано́вка** землесос установкаси.

ЗЕМЛЕТРЯСЕ́НИЕ *с* зилзила, ер қимирлаш.

ЗЕМЛЕУСТРОИТЕ́ЛЬ *м* ер тузувчи, ер тузиш ишлари мутахассиси.

ЗЕМЛЕУСТРОИТЕ́ЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое ер тузишга (ер тузиш ишларига) оид, ер тузиш...; **~е рабо́ты** ер тузиш ишлари.

ЗЕМЛЕУСТРО́ЙСТВО *с* ер тузиш (ердан фойдаланиш ишларини тартибга солиш билан боғлиқ бўлган тадбирлар, чоралар мажмуи).

ЗЕМЛЕЧЕРПА́ЛКА *ж, р. мн.* **-лок** землечерпалка (сув ҳавзаларини чуқурлаштириб лой-балчиқларни чиқариб ташлайдиган машина).

ЗЕМЛИ́СТОСТЬ *ж* сертупроқлик, тупроғи кўплик.

ЗЕМЛИ́СТЫЙ, -ая, -ое 1 сертупроқ, тупроғи кўп; **~ торф** сертупроқ торф; 2 заҳил, бўзарган (юз ранги ҳақида); **~ цвет лица́** бўзарган юз.

ЗЕМЛ/Я́ *ж, вин.* **зе́млю**, *мн.* **зе́мли**, *р.* **земе́ль**, *дат.* **зе́млям** 1 Ер; **Земля́ дви́жется вокру́г Со́лнца** Ер Қуёш атрофида айланади; 2 ер юзи, олам, дунё; **слу́хом ~и́ по́лнится** *погов.* оламда миш-миш (гап) кўп; 3 ер, қуруқлик; **на корабле́ уви́дели зе́млю** кемада(н) ерни (қуруқликни) кўриб қолишди; 4 ер, замин, тупроқ; **обрабо́тка ~и́** ерни ишлаш, ерга ишлов бериш; **сесть на зе́млю** ерга ўтирмоқ (қўнмоқ); 5 тупроқ, хок; **~я́ с песко́м и гли́ной** қум ва лой аралашган тупроқ; 6 *уст.* и *высок.* ер, ўлка, эл, юрт, ватан, диёр; мамлакат; **сове́тская ~я́** советлар диёри; **чужи́е зе́мли** бегона ўлкалар; 7 ер(лар); ер-сув, ер-мулк; **колхо́зная ~я́** колхоз ери; **цели́нные зе́мли** қўриқ ерлар; ✦ **провали́ться сквозь зе́млю** *см.* **провали́ться; сровня́ть с ~ёй** *см.* **сровня́ть; стере́ть с лица́ ~и́** *см.* **стере́ть; ~я́ гори́т под нога́ми** *см.* **горе́ть; соль ~и́** *см.* **соль.**

ЗЕМЛЯ́К *м, р.* **-á** ватандош, юртдош, ҳамшаҳар, ҳамқишлоқ.

ЗЕМЛЯНИ́КА *ж* ертут, ер тути; **лесна́я ~ у́рмон** ер тути; **садо́вая ~** боғ ер тути, қулупнай.

ЗЕМЛЯ́НИН *м, мн.* **-я́не** ерлик, ерда яшовчи киши.

ЗЕМЛЯНИ́ЧН/ЫЙ, -ая, -ое ер тутига оид; ер тутидан қилинган, ер тути...; **~ое варе́нье** ертут мураббоси, ертутдан қилинган мураббо.

ЗЕМЛЯ́НКА I *ж, р. мн.* **-нок** землянка (ертўла уй).

ЗЕМЛЯ́НКА II *ж, р. мн.* **-нок** *см.* **земля́нин.**

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЗЕМЛЯН/ОЙ, -а́я, -о́е 1 ерга оид; ер...; ер қазиш...; **~ы́е рабо́ты** ер қазиш ишлари; 2 тупроқдан қилинган; тупроқ...; ер...; **~о́й пол** ер пол; **~о́й вал** тупроқ девор; **~о́е укрепле́ние** тупроқ қўрғон; 3 ерда бўладиган, ерда (ер остида) яшайдиган; **~ы́е насеко́мые** ерда бўладиган ҳашаротлар; **~о́й оре́х** ер ёнғоқ, арахис.

ЗЕМЛЯНОЧНЫЙ, -ая, -ое землянкага оид; землянка...

ЗЕМЛЯЧЕСТВО *с* 1 ватандошлик, юртдошлик, эл-дошлик; 2 ватандошлар (юртдошлар) уюшмаси.

ЗЕМЛЯЧКА *ж, р. мн.* **-чек** *см.* **земля́к.**

ЗЕМНО *нареч.:* **~ кла́няться** *уст.* икки букилиб (эгилиб) салом бермоқ, ер ўпиб сажда қилмоқ.

ЗЕМНОВО́ДНЫ/Й, -ая, -ое ҳам сувда, ҳам қуруқликда яшовчи; **~е живо́тные** ҳам сувда, ҳам қуруқликда яшовчи ҳайвонлар; 2 *в знач. сущ.* **~е** *мн. зоол.* ҳам сувда, ҳам қуруқликда яшовчи ҳайвонлар синфи.

ЗЕМ/Н/О́Й, -а́я, -о́е 1 ер...; **~о́й шар** ер шари; **~а́я ось** ернинг ўқи; 2 *перен.* дунёвий; ✦ **~о́й покло́н** икки букилиб таъзим қилиш, ер ўпиб салом (сажда) қилиш.

ЗЕ́МСК/ИЙ, -ая, -ое *ист.* 1 умумдавлат; **~ий собо́р** земский собор (умумдавлат кенгаши); 2 земствога оид; **земство...; ~ие собра́ния** земство кенгаши (уезд ва ўлка кенгашлари); 3 земствога қарашли, земство ихтиёридаги; **земство...; ~ий врач** земство врачи (земство ихтиёридаги қишлоқ врачи); **~ая шко́ла** земство мактаби (земство ихтиёридаги бошланғич мактаб).

ЗЕМСНАРЯ́Д *м* земснаряд (землесос ўрнатилган кемача).

ЗЕ́МСТВО *с ист.* земство (революциядан илгариги Россияда: чекли ҳуқуққа эга бўлган турли маҳаллий муассасалар номи); **губе́рнское ~** губерна земствоси.

ЗЕ́МЩИНА *ж ист.* земщина (Қадимги Русь давлати территориясининг Иван Грозний томонидан опричнинага киритилмаган асосий қисми).

ЗЕНИ́Т *м* 1 зенит (осмоннинг кузатувчи тепасидаги энг баланд нуқтаси); 2 *перен. высок.* чўққи, авж, юқори даража; **в ~е сла́вы** шуҳрат чўққисида, шуҳрат авжига чиққанда.

ЗЕНИ́ТКА *ж, р. мн.* **-ток** *разг.* зенитка, зенит тўпи (қуроли).

ЗЕНИ́ТН/ЫЙ, -ая, -ое 1 *астр.* зенитга оид; зенит...; **~ое расстоя́ние** зенит масофаси; 2 *воен.* осмонга отадиган, самолётларни отиб туширадиган; зенит...; **~ый пулемёт** зенит пулемёт(и).

ЗЕНИ́ТЧИК *м* зенитчи, зенит тўпидан (қуролидан) отувчи.

ЗЕНИ́ТЧИЦА *ж см.* **зени́тчик.**

ЗЕНИ́Ц/А *ж уст.* кўз; кўз қорачиғи; ✦ **как ~у о́ка** (храни́ть, бере́чь) кўз қорачиғидай асрамоқ (сақламоқ).

ЗЕ́РКАЛО *с, мн.* **-ала́**, *р.* **-а́л** 1 ойна, кўзгу; **стенно́е ~** деворий ойна; 2 *перен. чего* ялтироқ, силлиқ юза (мас., сувнинг юзи, бети;) **~ реки́** дарёнинг ойнадек юзи; 3 *перен.* ойна, кўзгу, акс; **реалисти́ческая литерату́ра — ~ жи́зни наро́да** реалистик адабиёт халқ ҳаётининг кўзгусидир; 4 *спец.* юза, сатҳ; **~ грунто́вых вод** ер ости суви юзаси; **~ испаре́ния** буғланиш сатҳи.

ЗЕРКА́ЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое 1 кўзгуга оид, кўзгули (ойнали); кўзгу...; **~ый заво́д** ойна (кўзгу) заводи; **~ый шкаф** ойнали шкаф; 2 *перен.* ойнадек (ойна каби) силлиқ, тиниқ, ялтироқ; **~ая гладь о́зера** кўлнинг ойнадек силлиқ юзи; ✦ **~ое стекло́** тошойна, қалин ойна.

ЗЕРНИ́СТОСТЬ *ж* донадорлик, дона-доналик; **~ мета́лла** металл тузилишининг донадорлиги.

ЗЕРНИ́СТ/ЫЙ, -ая, -ое 1 сердон, дони кўп; **~ая рожь** сердон жавдар; 2 донадор, дона-дона; қумоқ-қумоқ; **~ое строе́ние** донадор тузилиш; **~ый снег** донадор (дона-дона) қор; ✦ **~ая икра́** донадор икра.

ЗЕ́РНО *с, мн.* **зёрна**, *р.* **зёрен** 1 дон, уруғ; **ржано́е ~** сули дони; **ко́фе в зёрнах** янчилмаган кофе; 2 *собир.* дон, ғалла, ошлиқ; **хлеб в зерне́** ғалла; 3 дона; зарра; **жемчу́жное ~** марварид донаси (дурдона); **зёрна крахма́ла** крахмал доналари (зарралари); 4 *перен. чего* или *какой* зарра, мағиз, уруғ; **~ и́стины** ҳақиқат уруғи.

ЗЕРНОБОБО́В/ЫЙ, -ая, -ое 1 дуккакли ғалла...; **~е культу́ры** дуккакли ғалла экинлари; 2 *в знач. сущ.* **~е** *мн. бот.* дуккакли ғалла экинлари.

ЗЕРНОВО́З *м* зерновоз (ғалла ташувчи машина, кема).

ЗЕРНОВ/О́Й, -а́я, -о́е 1 ғаллага (донга) оид; ғалладан (дондан) иборат бўлган; ошлиқ; ғалла..., дон...; **~о́й фура́ж** ем; **~ы́е проду́кты** ғалла маҳсулотлари, дон-дун; 2 ғалла етиштирадиган; ғаллакор..., ғаллакорлик...; **~о́й совхо́з** ғаллакор совхоз; ғалла совхози; **~о́й райо́н** ғаллакорлик райони; 3 донли; дон..., ғалла...; **~ы́е культу́ры** дон экинлари; 4 *в знач. сущ.* **~ы́е** *мн.* ғалла ўсимликлари; **убо́рка ~ы́х** ғаллани ўриб-йиғиб олиш.

ЗЕРНОДРОБИ́ЛКА *ж, р. мн.* **-лок** донянчгич, дон янчадиган машина.

ЗЕРНОДРОБИ́ЛЬНЫЙ, -ая, -ое дон янчадиган.

ЗЕРНООЧИСТИ́ТЕЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое дон тозалайдиган; дон тозалаш...; **~ая маши́на** дон тозалайдиган машина.

ЗЕРНОПОСТАВ/КИ *мн.* (*ед.* **зернопоста́вка** *ж*) давлатга дон топшириш; **план ~ок** давлатга дон топшириш плани.

ЗЕРНОСОВХО́З *м* ғаллакор совхоз, ғалла совхози.

ЗЕРНОСУШИ́ЛКА *ж, р. мн.* **-лок** 1 дон қуритадиган хона; 2 донқуритгич.

ЗЕРНОУБО́РОЧНЫ/Й, -ая, -ое ғалла ўрадиган, ғаллани ўриб-йиғиб оладиган; ғаллани ўриб-йиғиб олиш...; **~й комба́йн** ғаллани ўриб-йиғиб оладиган комбайн, ғалла комбайни; **~е рабо́ты** ғаллани ўриб-йиғиб олиш ишлари.

ЗЕРНОХРАНИ́ЛИЩЕ *с* дон омбори.

ЗЕРНОЯДНЫ/Й, -ая, -ое *зоол.* донхўр, дон ейдиган; **~е пти́цы** донхўр қушлар.

ЗЁРНЫШКО *с, р. мн.* **-шек** майда дон, донача, заррача.

ЗЕРЦАЛ/О *с* 1 *уст.* ойна, кўзгу; 2 *мн.* **~а** совут.

ЗЕТ *м* 1 зет (латин алифбосининг охирги «Z» ҳарфи); 2 шу ҳарф билан ифодаланган номаълум сон; 3 номаълум шахс (фалончи).

ЗЕФИ́Р *м* 1 *уст. поэт.* енгил, майин шабада, сабо, насим; 2 зефир (нозик ип газлама); **соро́чка из ~а** зефир кўйлак; 3 зефир (шакарга босилган қуюқ шинни; шунингдек қаймоқ кўпигидан ҳозирланган пирожнийнинг бир тури).

ЗЕФИ́РНЫЙ, -ая, -ое *уст. поэт.* енгил, майин.

ЗЕФИ́РОВ/ЫЙ, -ая, -ое зефирдан тикилган; зефир...; **~ая руба́шка** зефир кўйлак.

ЗИГЗА́Г *м* 1 зигзаг, синиқ (эгри-бугри) чизиқ; **~и мо́лнии** чақмоқнинг эгри-бугри чизиғи, эгри-бугри чақмоқ; **черти́ть ~и** зигзаг чизмоқ; 2 *в знач. нареч.* **~ом, ~ами** зигзаг (илонизи, эгри-бугри) бўлиб, билинглаб.

ЗИГЗАГООБРА́ЗН/ЫЙ, -ая, -ое; -зен, -зна зигзаг (синиқ чизиқ) шаклидаги, эгри-бугри, илонизи; зигзаг...; **~ая ли́ния** зигзаг чизиқ; **~ое движе́ние** илонизи ҳаракат.

ЗИ́ЖДИТЬСЯ, -ждется *несов. на чём высок.* қурилмоқ, асосланмоқ, таянмоқ, суянмоқ; **сила Сове́тской Армии зи́ждется на идее́ защи́ты свобо́ды и незави́симости свое́й Ро́дины** Совет Армиясининг кучи ўз Ватанининг озодлигини ва мустақиллигини сақлаш ғоясига асосланади (асосланган, қурилган).

ЗИМА́ *ж, вин.* **зи́му**, *мн.* **зи́мы** қиш; **суро́вая ~** қаттиқ қиш, қаҳратон; **к зиме́** қишга бориб; **на́ зиму** қишга, қишги даврга, қиш даврига; **всю зи́му** қиш бўйи (давомида), бутун қиш; ✦ **зи́му и ле́то** қишин-ёзин.

ЗИ́МН/ИЙ, -яя, -се қишки, қишлик..., қиш...; **~ий ве́чер** қишки оқшом; **~яя оде́жда** қишлик кийим, қиш кийими; **~ие ви́ды спо́рта** спортнинг қишки турлари.

ЗИ́МНИК *м* 1 қишки (музлоқ) йўл; 2 *разг.* қишчи (боғда — дачада қишлаб қолувчи киши).

ЗИМОВА́ЛЬНЫЙ, -ая, -ое *спец.* қишлаш учун белгиланган, қишлайдиган; қишлаш...; **~ пруд** қишлаш ҳовузи (мас., балиқлар учун).

ЗИМОВА́ТЬ, -му́ю, -му́ешь *несов.* қишламоқ, қишлаб қолмоқ, қишни ўтказмоқ; **~ на да́че** дачада (боғда) қишламоқ; **медве́дь зиму́ет в берло́ге** айиқ инида қишлайди (қишни инида ўтказади).

ЗИМОВК/А *ж* 1 *по гл.* **зимова́ть**; **~а скота́** моллар-нинг қишлаши (қишлови); **оста́ться на ~у** қишлаш учун

www.ziyouz.com kutubxonasi

(қишлаб) қолмоқ; 2 қишловхона; қишлайдиган (қишда яшаладиган) жой, қишлов; **расположи́ться на ~е** қишловда (қишловхонада) жойлашмоқ.

ЗИМО́ВОЧНЫЙ, -ая, -ое қишлайдиган, қишлаш учун белгиланган (мўлжалланган); қишлаш...; **~е гнёзда** қишлаш инлари, қишлаш учун белгиланган (мўлжалланган) инлар.

ЗИМО́ВЩИК *м* қишловчи.

ЗИМО́ВЩИЦА *ж см.* **зимо́вщик.**

ЗИМО́ВЬЕ *с то же, что* **зимо́вка.**

ЗИМО́Й *нареч.* қишда, қиш пайтида (маҳалида, даврида, чоғида); **~ и ле́том одни́м цве́том** *погов.* қишин-ёзин (ҳамиша) бир хил, ҳеч ўзгармайди.

ЗИМОРО́ДОК *м, р.* **-дка** кўкторғоқ (қуш).

ЗИМОСТО́ЙКИЙ, -ая, -ое; -о́ек, -о́йка қишбардош, қишга бардош (чидаш) берадиган, совуққа чидамли; **~е сорта́ я́блонь** олмаларнинг қишбардош навлари; **~е культу́ры** совуққа чидамли экинлар.

ЗИПУ́Н *м, р.* **-а́** чакмон.

ЗИЯ́НИЕ *с* **1** *по гл.* **зия́ть; 2** *лингв.* бир сўзнинг охирида, иккинчи сўзнинг бошида икки унлининг қатор келиши.

ЗИЯ́ТЬ, -я́ет *несов.* шундоқ (ланг очилиб), чуқур (тубсиз) бўлиб кўринмоқ (кўриниб турмоқ); **~ет бе́здна** (тубсиз) ер қаъри шундоқ кўриниб турибди; **~ющие отве́рстия** очилиб турган (таги кўринмайдиган) тешик-ёриқлар.

ЗЛАК *м* **1** *уст.* овқатга ишлатиладиган ўт(лар); **2** *мн.* **~и** *бот.* бошоқли ўсимликлар; **хле́бные ~и** бошоқли ғалла ўсимликлари; **кормовы́е ~и** бошоқли ўтлар.

ЗЛА́КОВ/ЫЙ, -ая, -ое 1 бошоқли; **~ые расте́ния** бошоқли ўсимликлар; **2** *в знач сущ.* **~ые** *мн. бот.* бошоқли ўсимликлар.

ЗЛАТО́ *с уст. поэт.* олтин, тилла, зар.

ЗЛАТОВЕ́РХИЙ, -ая, -ое *уст. поэт.* заррин томли, усти олтиндан (тилладан) қилинган, тилла билан қопланган; **~ те́рем** заррин томли уйча.

ЗЛАТОВЛА́С/ЫЙ, -ая, -ое *уст. поэт.* сочи олтиндай сариқ; олтиндай сариқ сочли; тилласоч; **~ая де́ва** олтиндай сариқ сочли қиз, тилласоч қиз.

ЗЛАТОГЛА́В/ЫЙ, -ая, -ое *уст. поэт.* заррин томли, олтин гумбазли; гумбазлари (томлари) олтин(дан); **~ая Москва́** гумбазлари олтин Москва; **~ый собо́р** олтин гумбазли собор.

ЗЛАТОГРИ́ВЫЙ, -ая, -ое *уст. поэт.* ёли олтиндай сап-сариқ, сап-сариқ олтиндай ёлли, олтинёл; **~ конь** олтинёл от.

ЗЛАТ/О́Й, -а́я, -о́е *уст. поэт.* олтиндан қилинган; олтин...; тилла..., зар..., заррин; **✦ые го́ры сули́ть** *кому* ваъдани қуюқ қилмоқ, қўйнини пуч ёнғоққа тўлдирмоқ, катта-катта ваъдалар бермоқ.

ЗЛАТОКО́ВАН/ЫЙ, -ая, -ое *уст. поэт.* олтиндан чўкичлаб ясалган; **~ая ча́ша** олтиндан чўкичлаб ясалган жом, олтин жом.

ЗЛАТОКУДР/ЫЙ, -ая, -ое *уст. поэт.* тилласоч, жингалак сариқ сочли, жингалак сочи олтиндай сариқ (малла); **~ое дитя́** олтиндай сариқ жингалак сочли бола.

ЗЛАТОРО́ГИЙ, -ая, -ое *уст. поэт.* олтин шохли, шохлари олтин(дан); **~ ме́сяц** шохлари олтин (заррин) ҳилола.

ЗЛАТОСТРУ́ННЫЙ, -ая, -ое *уст. поэт.* олтин торли, торлари олтин(дан); **~ая а́рфа** торлари олтин арфа.

ЗЛАТОТКА́Н/ЫЙ, -ая, -ое *уст. поэт.* зар (билан) тикилган; зарбоф; зар...; **~ое пла́тье** зар (билан) тикилган кўйлак, зарбоф кўйлак.

ЗЛАТОУ́СТ *м уст.* и *ирон.* сўзамол (гапга уста, чечан) одам, нотиқ.

ЗЛАЧЕ́НЫЙ, -ая, -ое *уст. поэт.* олтин югуртирилган, олтин (зар) билан қопланган, заррин.

ЗЛА́ЧН/ЫЙ, -ая, -ое; -чен, -чна *уст.* маҳсулдор, серунум, семиз; серўт; **~ые луга́** серўт майсазорлар (ўтлоқлар); **✦ ~ое ме́сто** *шутл. ирон.* маишатхона, ишратхона.

ЗЛЕ́ЙШИЙ *см.* **зло́й.**

ЗЛЕТЬ *несов. разг.* баджаҳл бўлиб бормоқ, жаҳлдор (аччиғи тез) бўлиб қолмоқ (кетмоқ).

ЗЛИ́ТЬ *несов.* (*сов.* **обозли́ть, озли́ть, разозли́ть**) *кого* аччиқлантирмоқ, аччиғини (жаҳлини) чиқармоқ, зардасини қайнатмоқ, ғазабини келтирмоқ, ғазаблантирмоқ.

ЗЛИ́ТЬСЯ *несов.* (*сов.* **обозли́ться, озли́ться, разозли́ться**) аччиқланмоқ, аччиғи (жаҳли) чиқмоқ, зардаси қайнамоқ, ғазаби келмоқ, ғазабланмоқ, дарғазаб (куфр) бўлмоқ.

ЗЛО I *с, мн. только р.* **зол 1** ёмонлик, ёвузлик; ёмон (ёвуз) иш, хатти-ҳаракат; **боро́ться со ~м** ёмонликка (ёмон ишларга) қарши курашмоқ; **оплати́ть злом за добро́** яхшиликка ёмонлик қилмоқ (ёмонлик билан жавоб бермоқ); **2** бало, офат, кўнгилсиз воқеа, мусибат; кулфат; мушкул аҳвол; **причини́ть ~** *кому-л.* бировга ёмонлик, офат (кулфат етказмоқ, бахтсизлик келтирмоқ); **из двух зол вы́брать ме́ньшее** икки мушкул аҳволдан енгилроғини (осонроғини) танламоқ; **3** аччиқ, алам, жаҳл, қаҳр, ғазаб, зарда; **сде́лать** *что-л.* **со зла** жаҳл устида бирор нарса (иш) қилиб қўймоқ; **~ берёт** одамнинг зардаси (қони) қайнайди, одамга алам қиладн; **име́ть (держа́ть) ~** *на кого-л.* кимсадан ғазабланиб (аччиқланиб) юрмоқ; кимсага қасд бўлиб қолмоқ; **✦ ко́рень зла** *см.* **ко́рень.**

ЗЛО II *нареч.* жаҳл (ғазаб) билан, зарда (аччиқ) қилиб, ғазабланиб, дарғазаб бўлиб, ўқрайиб; **~ посмотре́ть** *на кого-л.* ғазаб билан (ўқрайиб) қарамоқ; **~ подшути́ть** *над кем-л.* қаттиқ ҳазил қилмоқ.

ЗЛО́Б/А *ж* кек, адоват, хусумат, гина, гидир; ғазаб, қаҳр, аччиқ; **пита́ть ~у** *против кого-л.* бировга кек сақламоқ; бировдан дарғазаб бўлмоқ; **✦ ~а дня** шу кундаги энг муҳим (ёки ҳаммани қизиқтираётган) масала (иш, нарса, воқеа ва ҳ. к.).

ЗЛО́БИТЬ, -блю, -бишь *несов. кого уст.* жаҳлини (аччиғини) чиқармоқ, ғазабини келтирмоқ, зардасини (қонини) қайнатмоқ.

ЗЛО́БИТЬСЯ, -блюсь, -бишься *несов. уст.* и *разг.* жаҳли чиқмоқ, аччиғи келмоқ, аччиқланмоқ, ғазабланмоқ, зардаси (қони) қайнамоқ.

ЗЛО́БНОСТЬ *ж* ёмонлик, ёвузлик; сержаҳллик, баджаҳллик, дарғазаблик; аччиқланганлик, аччиғи (жаҳли) тезлик.

ЗЛО́БНО *нареч.* хусумат (кек) билан, душманлик кўзи билан, ғазаб билан, аччиқланиб, дарғазаб бўлиб, дарғазаб, ёмон, ёвуз; **~ взгляну́ть** *на кого-л.* ғазаб билан қарамоқ.

ЗЛО́БНЫЙ, -ая, -ое; -бен, -бна 1 ёмон, ёвуз; сержаҳл, баджаҳл, ғазабланган, дарғазаб, жаҳли тез; аччиқ; **~ враг** ёвуз душман; **2** ғазабли, ғазабнок; **~ взгляд** ғазабли (ғазабнок) нигоҳ; ғазаб билан қараш.

ЗЛОБОДНЕ́ВНОСТЬ *ж* ҳозирги кун (айни пайт) учун муҳимлик, аҳамиятлилик, ҳаммани (барчани) қизиқтирадиганлик, актуаллик; **~ те́мы** мавзунинг шу кун (айни пайт) учун муҳимлиги.

ЗЛОБОДНЕ́ВНЫЙ, -ая, -ое; -вен, -вна ҳозирги кун (айни пайт) учун муҳим, аҳамиятли, ҳаммани (барчани) қизиқтираётган, актуал; **~ вопро́с** ҳозирги кунда барчани қизиқтирадиган масала актуал масала.

ЗЛОБСТВ/ОВАТЬ *несов высок.* қаттиқ ғазабланмоқ, аччиқланмоқ, дарғазаб бўлмоқ, ғазабга минмоқ, ғазабини (заҳрини) сочмоқ; ёвузлик қилмоқ; **враг ~ует** душман ғазабга минган (ғазабини сочмоқда), душман ёзувликлар қилмоқда.

ЗЛОВЕ́Щ/ИЙ, -ая, -ее даҳшатли, ваҳимали; шум, шумхабар, машъум, мудҳиш, хунук, касофат; **~ий го́лос** машъум овоз; **~ая тишина́** ваҳимали сукунат (жимлик); **~ий при́знак** машъум аломат.

ЗЛОВО́НИЕ *с* сассиқ (қўланса, бадбўй) ҳид, қўлансалик, бадбўйлик.

ЗЛОВО́НН/ЫЙ, -ая, -ое; -нен, -нна ҳиди ёмон, сассиқ, қўланса, бадбўй; **~ая лу́жа** сассиқ кўлмак.

ЗЛОВРЕ́ДН/ЫЙ, -ая, -ое; -ден, -дна жуда ёмон, ярамас, ғирт зарарли; **~ый челове́к** жуда ёмон одам; **~ая мысль** жуда (ғирт) зарарли фикр.

ЗЛОДЕ́Й *м* **1** жиноятчи; қотил; бадкор, бадкирдор, ярамас; **2** *разг. бран.* шумтака; нобакор, ярамас; **что же ты наде́лал, ~!** ҳой шумтака (ярамас), нималар қилиб қўйдинг!

ЗЛОДЕ́ЙКА *ж, р. мн.* **-е́ек** *см.* **злоде́й.**

ЗЛОДЕ́ЙСК/ИЙ, -ая, -ое 1 жиноятчиларга оид, хос; **~ий прито́н** жиноятчилар уяси; **2** жиноий, жинояткорона,

www.ziyouz.com kutubxonasi

ваҳшиёна, ёвузларча, ваҳшатли, ёвуз; **~ое уби́йство** ваҳшиёна қотиллик; **3** қаҳрли, макрли; **~ая улы́бка** қаҳрли жилмайиш.

ЗЛОДЕ́ЙСТВ/О *с* **1** жинояткорлик; 2 жиноий ҳаракат, жиноят, ёвузлик; **соверша́ть ~о** жиноят қилмоқ; **фаши́стские ~а** фашистларнинг ёвузликлари.

ЗЛОДЕ́ЙСТВОВАТЬ *несов. высок.* жиноят (ёвузлик, ёмонлик) қилмоқ.

ЗЛОДЕ́ЯНИЕ *с* жиноий ҳаракат, жиноят, ёвузлик, ваҳшат; **чудо́вищное ~** ҳеч кўрилмаган ёвузлик.

ЗЛОЙ, -а́я, -о́е; зол, зла; зле́йший 1 жаҳли ёмон, баттол, баджаҳл, жаҳлдор, жаҳолатли, қаҳрли; ёвуз; **~ челове́к** баттол (баджаҳл) одам; **зло́е се́рдце** қаҳрли юрак; **2** ғазабли, ғазабнок, дарғазаб, ғазабга тўлган; **~ взгля́д** ғазабли (ғазабнок) қараш; **зло́е лицо́** дарғазаб чеҳра; **3** *в знач. сказ.* жаҳли чиққан, қаттиқ хафа; **он зол на всех** у ҳаммадан хафа; унинг ҳаммадан жаҳли чиқиб юрибди; **4** ёмон, ёвуз, зарарли; бадният, бадхоҳ; **~ у́мысел** ёмон ният; **злы́е мы́сли** ёмон фикрлар; **злы́е вы́ходки** ёвуз ҳаракатлар; **5** ёмон, тепағон, қопағон, тишлонғич, йиртқич; **зла́я соба́ка** қопағон ит; **6** ёмон, ёмонлик келтирувчи, машъум, беҳосият, касофат; **зло́е начало́** беҳосият бошланиш (бошлама); **7** оғир, ташвишли; кулфатли, мусибатли; **зло́е вре́мя** оғир вақт (замон); **злы́е изве́стия** машъум хабарлар; **8** оғир, қақшатғич, қаттиқ, азоб-уқубатли, шафқатсиз; **~ неду́г** оғир касаллик; **зла́я тоска́** оғир интизорлик (хафалик); **зла́я лихора́дка** қақшатғич иситма-безгак; **9** *разг.* аччиқ, ўткир, ачитадиган; **~ пе́рец** аччиқ гармдори; **~ таба́к** аччиқ (ўткир) тамаки; **10** *перен.* аччиқ, ўткир, заҳарли, қаттиқ тегадиган, айил ботадиган, нарёг-берёгдан ўтиб кетадиган; **~ фельето́н** аччиқ фельетон; **зла́я шу́тка** аччиқ (қаттиқ) ҳазил; **~ язы́к** заҳар(ли) тил; **он ~ на язы́к** унинг тили аччиқ; **11** *разг.* қаттиқ, шиддатли; **~ моро́з** қаттиқ совуқ, қаҳратон; **зла́я бу́ря** қаттиқ (шиддатли) бўрон; **12** *прост.* астойдил, серҳаракат, серғайрат; **Горьковча́не наро́д весёлый, смышлёный и ~ до рабо́ты** (А. Н. Толстой) Горькийликлар хушчақчақ, билимдон ва ишга астойдил одамлар; ✦ **злы́е языки́** оғзига кучи етмайдиган одамлар, ғийбатчилар.

ЗЛОКА́ЧЕСТВЕНН/ЫЙ, -ая, -ое ҳалокатли, хатарли, ёмон сифатли; **~ая о́пухоль** хавф (хатар)ли шиш (ўсма); **~ая лихора́дка** ҳалокатли безгак.

ЗЛОКЛЮЧЕ́НИЕ *с уст.* оғир кўргилик, бало, офат, фалокат, кулфат, мусибат, муваффақиятсизлик.

ЗЛОКОЗНЕННЫЙ, -ая, -ое *уст.* ёмон ниятдаги, нияти бузуқ, қитмир, доғули, маккор; **~ посту́пок** ёмон ниятдаги ҳаракат; **~ враг** маккор душман.

ЗЛОНАМЕ́РЕННОСТЬ *ж книжн.* бадниятлик, нияти бузуқлик.

ЗЛОНАМЕ́РЕННЫ/Й, -ая, -ое *книжн.* бадният, нияти бузуқ, ёмон ниятдаги, ёмон ният билан қилинган; **~е лю́ди** бадният (нияти бузуқ) одамлар; **~й посту́пок** ёмон ният билан қилинган иш.

ЗЛОНРА́ВИЕ *с уст.* ёмонликка мойиллик; хулқи ёмонлик (бузуқлик), бадхулқлик, бадахлоқлик.

ЗЛОПА́МЯТНОСТЬ *ж то же, что* **злопа́мятство.**

ЗЛОПА́МЯТНЫЙ, -ая, -ое; -тен, -тна кекчи, кек (адоват, гина) сақловчи, гинаси қаттиқ; ўчини олмай қўймайдиган; **~ челове́к** кекчи (кек сақловчи) одам, гинаси қаттиқ киши.

ЗЛОПА́МЯТСТВО *с* кек (адоват, гина) сақлаш, гинаси қаттиқлик, ўч олувчилик.

ЗЛОПОЛУ́ЧИЕ *с уст.* бахтсизлик, кўнгилсизлик, мусибат.

ЗЛОПОЛУ́ЧНЫЙ, -ая, -ое; -чен, -чна 1 бахтсиз, бадбахт, шўри қуриган, иши (омади) юришмаган; **~ охо́тник** бахтсиз (шўри қуриган, шўринг қурғур) овчи; **2** бахтсизлик келтирган, машъум, манҳус; **~ день** машъум кун.

ЗЛОПЫХА́ТЕЛ/Ь *м* ўринсиз адоват (душманлик) қилувчи, ғазабини (заҳрини) сочувчи, бадхоҳ; **кри́тика ~ей** бадхоҳ одамларнинг танқиди.

ЗЛОПЫХА́ТЕЛЬСКИ/Й, -ая, -ое бадхоҳона, душманликдан (адоватдан) иборат; адоватли; **~е ре́чи** душманликдан (адоватдан) иборат гаплар, бадхоҳона нутқлар.

ЗЛОПЫХА́ТЕЛЬСТВО *с* ўринсиз адоват, ноўрин душманлик, бадхоҳлик; **бесси́льное ~** ожиз душманлик.

ЗЛОПЫХА́ТЬ *несов. книжн.* ўринсиз душманлик (адоват) қилмоқ, ғазабини (заҳарини) сочмоқ.

ЗЛОРА́ДНО *нареч.* бировнинг бахтсизлигидан севиниб, ичиқоралик билан; **~ засмея́ться** ичиқоралик билан кулиб қўймоқ.

ЗЛОРА́ДН/ЫЙ, -ая, -ое; -ден, -дна бировнинг бахтсизлигидан севинадиган, ичиқора; **~ое чу́вство** ичиқоралик (ҳисси).

ЗЛОРА́ДСТВО *с* ичиқоралик, бировнинг бахтсизлигидан севиниш.

ЗЛОРА́ДСТВОВАТЬ *несов.* ичиқоралик қилмоқ; бировнинг бахтсизлигидан севинмоқ.

ЗЛОРЕЧИ́ВЫЙ, -ая, -ое *уст.* тили аччиқ (ёмон), пичингчи.

ЗЛОРЕ́ЧИЕ *с* тили аччиқлик; пичинг қилиб гапириш.

ЗЛОСЛО́ВИ/Е *с* ёмонлаб гапириш, ёмонлаш, чайнаш; ғийбат, фисқ-фасод, фисқ-фужур; **предава́ться ~ю** фисқ-фужурга берилмоқ; ғийбат қилмоқ, чайнамоқ.

ЗЛОСЛО́ВИТЬ, -влю, -вишь *несов.* ёмонлаб гапирмоқ, ёмонламоқ, чайнамоқ; ғийбат (фисқ-фасод) қилмоқ.

ЗЛО́СТН/ЫЙ, -ая, -ое; -тен, -тна 1 бадният, нияти бузуқ; дарғазаб, ёвуз; қасддан қилинган; **~ая клевета́** қасддан қилинган туҳмат; **~ые наме́рения** ёвуз ниятлар; **2** қасддан (атайин) қилувчи; ашадди, ўтакетган, уччига чиққан; тузалмайдиган; суякка сингиган; **~ый неплате́льщик** қасддан тўламовчи; **~ый престу́пник** тузалмайдиган жиноятчи.

ЗЛОСТЬ *ж* аччиқ, қаҳр, ғазаб; зарда, жаҳл; баджаҳллик, баттоллик; **говори́ть со ~ю** ғазабланиб гапирмоқ; **~ берёт** *кого-л.* одамнинг ғазаби келади (зардаси қайнайди).

ЗЛОСЧА́СТИЕ *с уст.* бахтсизлик, бахти қоралик.

ЗЛОСЧА́СТН/ЫЙ, -ая, -ое; -тен, -тна 1 *уст.* **бахтсиз,** бахти қора, пешанаси шўр, бечора, бадбахт; **Злосча́стные пра́чки Хо́дят ме́сяц за ка́ждым рублём!** (Некрасов) Бечора кир ювувчилар Ҳар бир сўм учун ойлаб қатнайдилар!; **2** бахтсизлик келтирган, машъум, манҳус; **~ая любо́вь** машъум (бахтсиз) севги.

ЗЛО́ТЫЙ *м, р.* **-ого** злотий (Польшада пул бирлиги).

ЗЛОУМЫ́ШЛЕННИК *м уст.* ёвуз ниятли одам, жинояткор; суиқасдчи.

ЗЛОУМЫ́ШЛЕННИЦА *ж уст. см.* **злоумы́шленник.**

ЗЛОУМЫ́ШЛЕННЫЙ, -ая, -ое *уст.* ёвуз ният билан (қасддан) қилинган, жинояткорона.

ЗЛОУМЫ́ШЛЯТЬ *несов. уст. что* и *без доп.* жиноятга қасд қилмоқ, ёмон ниятда бўлмоқ.

ЗЛОУПОТРЕБИ́ТЬ, -блю́, -би́шь *сов. (несов.* **злоупотребля́ть**) *чем* суиистеъмол қилмоқ, ўз манфаати учун фойдаланмоқ; **~ вла́стью** ўз мансабидан фойдаланмоқ; **~ дове́рием** ишончни суиистеъмол қилмоқ.

ЗЛОУПОТРЕБЛЕ́НИ/Е *с* **1** *по гл.* **злоупотреби́ть; ~е вла́стью** амалдан (ўз манфаати учун) фойдаланиш; **2** *мн.* **~я** суиистеъмол; суиистеъмол орқасидаги хиёнат, жиноят; **раскры́ть ~я** суиистеъмолни очмоқ.

ЗЛОУПОТРЕБЛЯ́ТЬ *несов. см.* **злоупотреби́ть.**

ЗЛОЯЗЫ́ЧИЕ *с уст.* тили аччиқлик, аччиқ тиллилик; ғийбатчилик, бўҳтончилик.

ЗЛОЯЗЫ́ЧНЫЙ, -ая, -ое; -чен, -чна тили аччиқ, заҳар; ғийбатчи, бўҳтончи.

ЗЛЮ́КА *м* и *ж разг.* доим тажанг (аччиғи тез) одам; заҳар, қумрон, симён.

ЗЛЮ́ЧКА *м* и *ж, р. мн.* **-чек** *разг. то же, что* **злю́ка.**

ЗЛЮЩИЙ, -ая, -ее баджаҳл, жуда ёмон жоҳил; **~ пёс** баджаҳл ит.

ЗМЕЕВИ́ДНЫЙ, -ая, -ое; -ден, -дна илонсимон, илон шаклидаги, илонга ўхшаш, илонизи; **~ брасле́т** илонсимон билагузук.

ЗМЕЕВИ́К *м, р.* **-а́ 1** *тех.* змеевик, бурама (спираль) найча; **2** змеевик (илон пўстига ўхшаш гулдор минерал).

ЗМЕЕЛО́В *м* илон тутувчи (ушловчи).

ЗМЕЁНЫШ *м* **1** илон боласи; **2** *прост. бран.* илондан тарқаган, илонбачча.

ЗМЕЙН/ЫЙ, -ая, -ое 1 илонга оид; илон...; **~ый яд** илон заҳари; **~ая ко́жа** илон пўсти; **2** *перен.* айёр, мак-

www.ziyouz.com kutubxonasi

кор, маккорона; **~ая улы́бка** маккорона жилмайиш; ✦ **~ая му́дрость** қувлик.

ЗМЕЙ/ТЬСЯ, -и́тся *несов.* 1 илонизидай (илондай) тўлғанмоқ, илонизи (эгри-бугри, иланг-биланг) бўлиб (бураліб-бураліб) кетмоқ; **~тся ручеёк** жилға бураліб-бураліб (илонизи бўлиб) оқмоқда; 2 *перен.* кўриниб ўтмоқ, жилваланмоқ, жимирламоқ; кезмоқ; **по стене́ ~тся тень** деворда кўланка кезади (жимирлайди); **На его́ губа́х ~лась насме́шливая улы́бка** (Короленко) Унинг лабларида истеҳзоли кулги кўриниб ўтди (жилваланди).

ЗМЕ́Й *м* 1 *уст.* и *прост. то же, что* **змей**; 2 *миф.* қанотли аждар, аждарҳо; **Змей-Гори́ныч** *чар.-поэт.* Аждарҳо-Горинич (ёмонлик, ёвузлик рамзи); 3 варрак, варварак; **запусти́ть зме́я** варрак учирмоқ.

ЗМЕ́ЙКОВЫЙ: ~ **аэроста́т** чўзинчоқ аэростат.

ЗМЕЯ *ж, мн.* **зме́и** 1 илон; **грему́чая** ~ шақилдоқ илон; **ядови́тая** ~ заҳарли илон; 2 *перен.* маккор, ёвуз одам, илон, заҳар; 3 *в знач. нареч.* **змеёй** илонизи бўлиб, биланглаб; ✦ **змею́ на груди́ отогре́ть** (или **пригре́ть** и т. п.) қўйнида илонни асрамоқ, маккор (ғаразгўй) кишини дўст деб юрмоқ.

ЗМИЙ *м уст. то же, что* **змей** 1, 2; ✦ **до зелёного зми́я** (допи́ться) ўлгудай (алжираб қолгунча) ичмоқ, ичиб ғирт маст (қайфи тарақ) бўлмоқ.

ЗНАВА́ТЬ, -а́л, -а́ла *несов. многокр. см.* **знать** I, 3.

ЗНАК *м* 1 белги, нишон, тамға; ~ **ка́чества** сифат белгиси; **фабри́чный** ~ фабрика белгиси (тамғаси); **опознава́тельные ~и** таниш (таниқлик) белгилари; 2 белги, аломат, нишон(а); **дурно́й** ~ ёмон (ёмонликдан дарак берувчи) аломат; **молча́ние — ~ согла́сия** сукут розилик (розилик) аломатидир; сукут — аломати ризо; **ока́зывать ~и внима́ния** *кому-н.* кимсага илтифот (нишоналари) кўрсатмоқ; 3 асар, из; ~ **уши́ба** шикастдан кейин қолган из, шикаст асари; 4 ҳарф; белги, аломат; **иероглифи́ческие ~и** иероглиф белгилар; **вопроси́тельный** ~ савол белгиси; **но́тный** ~ нота белгиси; **математи́ческий** ~ математик белги; **систе́ма ~ов** белгилар системаси; 5 имо, ишора; **подава́ть ~и руко́й** қўл билан имо (ишора) қилмоқ; 6 *то же, что* **значо́к** 1; **~и отли́чия** тақдирлаш белгилари (орденлар, медаллар); **~и разли́чия** даража белгилари (унвон, даража билдирувчи нишонлар); **де́нежные ~и** пул белгилари (қоғоз пуллар); ~ **почто́вой опла́ты** почта тўлови белгиси (марка); ✦ **в ~ *чего*** юзасидан, белгиси сифатида; тариқасида; **в ~ дру́жбы** дўстлик юзасидан; **в ~ проте́ста** норозилик тариқасида; **под ~ом** *чего высок.* бирор шиор остида, бирор баҳона билан; **под ~ом еди́нства и сплочённости** бирлик ва жипслашиш шиори остида.

ЗНА́КОВ/ЫЙ, -ая, -ое знак 4 га оид, белги(лар)...; **~ая систе́ма** белгилар системаси.

ЗНАКО́МЕЦ *м, р.* **-мца** *разг. уст.* таниш, ошна, таниш бўлган; **ста́рый** ~ эски танишим (ошна).

ЗНАКО́МИТЬ, -млю, -мишь *несов. кого* 1 *с кем-чем* таништирмоқ, танитмоқ; ~ **коллекти́в с но́вым сотру́дником** коллективни янги ходим билан таништирмоқ; 2 *с чем* таништирмоқ, маълумот бермоқ, билдирмоқ, айтмоқ, таништириб чиқмоқ; ~ **с исто́рией кра́я** ўлка тарихи билан таништирмоқ.

ЗНАКО́МИТЬСЯ, -млюсь, -мишься *несов.* 1 *с кем* танишмоқ, ошна бўлмоқ; ~ **с но́выми това́рищами** янги ўртоқлар билан танишмоқ; 2 *с чем* танишмоқ, маълумот олмоқ, билиб олмоқ, ўрганмоқ, танишиб чиқмоқ; ~ **с обстано́вкой** шароит билан танишмоқ, шароитни ўрганмоқ.

ЗНАКО́МКА *ж, р. мн.* **-мок** *разг. уст. см.* **знако́мец**.

ЗНАКО́МСТВ/О *с* 1 *с кем* и *между кем* таниш (ошна) бўлиш, танишлик, таниш-билишлик, ошначилик, оғайнилик; оғайнигарчилик; **завяза́ть ~о** танишиб олмоқ, ошна бўлмоқ; **порва́ть ~о** ошначиликни узмоқ; **сде́лать** *что-л.* **по ~у** оғайнигарчилик юзасидан бирор иш қилмоқ; 2 танишлар, ошналар, оғайнилар, таниш-билишлар; **у него́ больши́е ~а** унинг таниш-билишлари кўп; 3 *с чем* билиш, билим; маълумотга эгалик; хабардорлик; **~о с исто́рией** тарихни билиш; тарихдан хабардорлик.

ЗНАКО́М/ЫЙ, -ая, -ое 1 синашта, таниш, маълум; таниқли; **~ая пе́сня** таниш (маълум) ашула; 2 *с кем* биладиган, хабардор (таниш) бўлган; воқиф, хабардор; **партиза́н, ~ый с ка́ждой тропи́нкой** ҳар бир сўқмоқ билан таниш бўлган партизан; 3 таниш, оғайни; **~ый челове́к** таниш киши; 4 *в знач. сущ.* **~ый** *м,* **~ая** *ж* таниш, ошна; **мой ~ый** менинг танишим; **встре́тил ~ую** таниш аёлни учратиб қолдим.

ЗНАМЕНА́ТЕЛ/Ь *м мат.* махраж; **~ь дро́би** каср махражи; **о́бщий ~ь** умумий махраж; ✦ **привести́ к одному́** (или **к о́бщему**) **~ю** умумий махражга (бир хилликка) келтирмоқ, бир хиллаштирмоқ, бир-бирига мос қилмоқ, мувофиқлаштирмоқ.

ЗНАМЕНА́ТЕЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое; -лен, -льна 1 муҳим, аҳамиятли, катта аҳамиятга эга бўлган; **~ый день** катта аҳамиятга эга бўлган кун; **~ая да́та** муҳим сана; 2 маънодор, маъноли; 3 *грам.* мустақил маъноли; **~ые слова́** мустақил маъноли сўзлар.

ЗНА́МЕНИЕ *с уст.* 1 белги; рамз; 2 белги, аломат, ишора, нишона; ✦ ~ **вре́мени (эпо́хи)** *книжн.* маълум бир даврга хос иш (ҳаракат, ҳодиса, воқеа).

ЗНАМЕНИ́ТОСТЬ *ж* 1 машҳурлик, маълумлик, донгдорлик; 2 машҳур (атоқли) одам, донгдор, ном чиқарган киши; **стать ~ю** машҳур одам бўлиб қолмоқ.

ЗНАМЕНИ́ТЫЙ, -ая, -ое 1 машҳур, атоқли, донгдор, номи чиққан, ном чиқарган; ~ **поэ́т** машҳур (атоқли) шоир; 2 *прост.* ажойиб, мисли йўқ.

ЗНАМЕ́ННЫЙ, -ая, -ое байроққа оид; байроқ...; **~ое дре́вко** байроқ дастаси.

ЗНАМЕ́Н/ОВАТЬ, -ну́ю, -ну́ешь *несов. (сов.* **ознаменова́ть**) *что книжн.* далолат (дарак, хабар) бермоқ, англатмоқ, кўрсатмоқ, билдирмоқ; **собы́тие, ~у́ющее побе́ду** ғалабадан дарак берадиган воқеа.

ЗНАМЕНОВА́ТЬСЯ, -ну́ется *несов. (сов.* **ознаменова́ться**) нишонламоқ, қайд этилмоқ.

ЗНАМЕНО́С/ЕЦ *м, р.* **-сца** байроқдор, туғдор; **~цы, вперёд!** байроқдорлар, олға!; **сове́тский наро́д — ~ец ми́ра** *перен. высок.* совет халқи тинчлик байроқдоридир.

ЗНАМЕ́НЩИК *м* байроқдор, байроқбардор.

ЗНАМЯ *с, р.* **-мени, *мн.*** **-мёна** 1 байроқ; санжоқ (*эск.*); туғ (*эск.*); **полково́е** ~ полк байроғи; **кра́сное** ~ қизил байроқ; **переходя́щее** ~ кўчма байроқ; ~ **побе́ды** ғалаба байроғи; 2 *перен.* байроқ (етакчи ғоя, шиор); **под зна́менем маркси́зма-ленини́зма** марксизм-ленинизм байроғи остида; ✦ **высоко́ держа́ть** ~ *чьё* или *чего высок.* байроғини баланд кўтармоқ, мукаддас тутмоқ; **подня́ть ~ борьбы́** *за что высок.* кураш байроғини кўтармоқ, бирор нарса учун кураш бошламоқ.

ЗНА́НИ/Е *с* 1 билиш, хабардорлик, воқифлик; **~е зако́нов разви́тия о́бщества** жамият тараққиёти қонунларини билиш; **со ~ем де́ла** ишнинг кўзини билиб; 2 билим, илм, дониш; фан; **тя́га к ~ю** билимга (билим олишга) интилиш; 3 билим, маълумот; маърифат; **облада́ть ~ями** билимга (маълумотга) эга бўлмоқ.

ЗНА́ТНОСТЬ *ж* 1 *уст.* аслзодалик, зодагонлик, нажиблик; 2 машҳурлик, донгдорлик.

ЗНА́ТН/ЫЙ, -ая, -ое; -тен, -тна 1 *уст.* аслзода, зодагон; оқсуяк, нажиб; **~ая да́ма** аслзода аёл; **~ый род** аслзодалар насаби; 2 машҳур, атоқли, донгдор; **~ый хлопкоро́б** машҳур пахтакор; **~ая ткачи́ха** донгдор тўқувчи; 3 *прост.* ажойиб, мисли йўқ; 4 *прост.* катта, қаттиқ; **~ый моро́зец** қаттиқ совуқ.

ЗНАТО́К *м, р.* **-а́** яхши биладиган, билағон, билимдон, билармон, уста, омилкор; ~ **своего́ де́ла** ўз ишини яхши биладиган одам; ўз ишининг устаси, омилкори; ~ **литерату́ры** адабиётни яхши биладиган одам.

ЗНАТЬ I *несов.* 1 *что, о ком-чём* билмоқ, хабардор (воқиф) бўлмоқ; ~ **намере́ния проти́вника** душманнинг ниятини билмоқ (ниятидан хабардор бўлмоқ); ~ **о пое́здке** кетиш тўғрисида хабардор бўлмоқ; **зна́ю, что он прав** биламан, у ҳақ; 2 *кого-что* билмоқ, билимга (маълумотга) эга бўлмоқ, эгалламоқ; ~ **уро́к** дарсни билмоқ; ~ **своё де́ло** ўз ишини билмоқ, ўз ишига моҳир бўлмоқ; ~ **ремесло́** ҳунар билмоқ; **он челове́к зна́ющий** у билимдон киши; 3 (*многокр.* **знава́ть**) *кого-что* билмоқ, танимоқ, таниш (ошно) бўлмоқ; ~ *кого-л.* **с де́тства** кимсани болаликдан билмоқ; 4 *что* билмоқ, тушунмоқ, фаҳмламоқ; **я зна́ю, заче́м вы пришли́** мен сизнинг нима учун келганлигингизни билиб

www.ziyouz.com kutubxonasi

турибман; 5 *что* билмоқ, кўрмоқ, бошидан кечирмоқ, тотиб кўрмоқ; **не ~ поко́я** тиним билмаслик; **он не зна́ет боле́зней** у касаллик нима эканлигини билмайди, у касал кўрмаган; **Чапа́евская диви́зия не зна́ла пораже́ний** (Фурманов) Чапаев дивизияси мағлубият кўрмаган (енгилмаган); 6 *что* билмоқ, риоя қилмоқ, ҳисоблашмоқ; **~ ме́ру** чегарасини (меъёрини) билмоқ, эвида иш қилмоқ; 7 **зна́ешь, зна́ете** *в знач. вводн. сл.* биласанми (биласизми); биласан-ку (биласиз-ку); ✦ **~ не зна́ю** сира хабарим йўқ, асло билмайман; **~ своё ме́сто** ўз ўрнини (мавқеини) билиб иш тутмоқ, ўзига муносиб иш қилмоқ; **дать себя́ ~** ўзини билдириб қўймоқ; сезилиб турмоқ; **ста́рая ра́на даёт себя́ ~** эски яра билиняпти; **кто его́ зна́ет** ким билади, дейсиз?; **знай на́ших** *прост.* биз чакана эмасмиз; биз ҳам бўш келмаймиз; **то́лько и зна́ет, что...** ...дан бошқасини билмайди; ...дан бошқа ҳеч нарса билан иши йўқ.

ЗНАТЬ II *вводн. сл. прост.* кўриниб турибдики, афтидан, шекилли, ...га ўхшайди, балки; **не судьба́, ~, нам быть вме́сте** кўриниб турибдики, бирга бўлиш бизга тақдир қилмаган экан.

ЗНАТЬ III *ж* оқсуяклар, зодагонлар, аслзодалар, аъёнлар.

ЗНА́ТЬСЯ *несов. с кем-чем разг.* 1 таниш-билиш (ошна) бўлмоқ; борди-келди қилмоқ; **ни с кем не жела́ет ~** ҳеч ким билан таниш-билиш бўлишни (борди-келди қилишни) истамайди; 2 билмоқ, кўрмоқ, бошдан кечирмоқ; рўпара келмоқ.

ЗНАХА́РКА *ж, р. мн.* **-рок** *см.* **зна́харь.**

ЗНАХА́РСКИЙ, -ая, -ое табибларга ва табибликка оид; табибларга хос бўлган.

ЗНАХА́РСТВО *с* табиблик, эмчилик, азайимхонлик.

ЗНАХА́РЬ *м* табиб, эмчи, дуохон, азайимхон.

ЗНА́ЧАЩ/ИЙ, -ая, -ее 1 *прич. от* **зна́чить**; 2 *в знач. прил.* бирор маънога эга бўлган, маъноли; мазмунли; **~ие элеме́нты ре́чи** нутқнинг маъноли элементлари.

ЗНАЧЕ́НИ/Е *с* 1 маъно, маъни, мазмун; **~е сло́ва** сўзнинг маъноси; **~е взгля́да** боқишнинг (қарашнинг) маъноси; 2 аҳамият, моҳият, эътибор; муҳимлик; **име́ть ва́жное ~е** муҳим аҳамиятга эга бўлмоқ; **предприя́тия сою́зного ~я** умумиттифоқ аҳамиятига эга бўлган корхоналар; **всеми́рно-истори́ческое ~е Октя́брьской револю́ции** Октябрь инқилобининг оламшумул тарихий аҳамияти; **придава́ть** *чему-л.* **~е** бирор нарсага аҳамият (эътибор) бермоқ; **не име́ет значе́ния** аҳамияти йўқ, аҳамиятсиз; 3 *мат.* қиймат.

ЗНА́ЧИМОСТЬ *ж* 1 маънога эгалик, маънолилик; **~ сло́ва** сўзнинг маънога эгалиги; 2 аҳамият, муҳим ўрин (тутиш); **социа́льная ~** *чего-л.* бирор нарсанинг социал аҳамияти (ижтимоий ҳаётдаги муҳим ўрни).

ЗНА́ЧИМ/ЫЙ, -ая, -ое 1 маъноли, маънога эга бўлган; **~ые ча́сти сло́ва** сўзнинг маъноли (маънога эга бўлган) қисмлари; 2 аҳамиятга эга бўлган, муҳим ўрин тутган, муҳим аҳамиятли; **выполня́ть обще́ственно ~ую фу́нкцию** ижтимоий аҳамиятга эга бўлган вазифани бажармоқ.

ЗНА́ЧИТ 1 *вводн. сл.* демак, демакки, бас, бинобарин, шундай экан; **ты, ~, уезжа́ешь?** демак, сен кетяпсан?; 2 демак, демакдир; **прости́ть — ~ забы́ть** кечирмоқ унутмоқ демакдир.

ЗНА́ЧИТЕЛЬНО *нареч.* 1 маънодор қилиб, маъноли, маънодор; **посмотре́ть ~** маънодор (қилиб) қараб қўймоқ; 2 сезиларли (айтарли) даражада, анчагина, анча; **за после́дние го́ды наш го́род ~ вы́рос** кейинги йилларда шаҳаримиз сезиларли даражада ўсди; 3 анча, нисбатан кўп (ортиқ, тез ва ҳ. к.); **~ быстре́е** анча тез; **ны́нешнее ле́то ~ засу́шливей прошлого́днего** бу йилги ёз ўтган йилгига нисбатан анча қурғоқ келди.

ЗНА́ЧИТЕЛЬНОСТЬ *ж* 1 катталик; кўплик; **~ расстоя́ния** масофанинг катталиги; 2 аҳамиятлилик, муҳимлик, аҳамият; **неизмери́ма ~ по́двига наро́да в го́ды Второ́й мирово́й войны́** Иккинчи жаҳон урушидаги совет халқи қаҳрамонлигининг аҳамияти беқиёсдир.

ЗНА́ЧИТЕЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое; -лен, -льна 1 катта, йирик, улкан; кўп, бисёр, талай; анча-мунча; **~ая су́мма** катта маблағ; **~ое коли́чество** кўп миқдор(да); аллақанча, бирталай, жуда кўп; **~ые успе́хи** катта муваффақиятлар; **в ~ой сте́пени** маълум (кўп) даражада; 2 муҳим, аҳамиятли; зарур; **~ые собы́тия** муҳим воқеалар; 3 *уст.* эътиборли, нуфузли, салмоқли.

ЗНА́ЧИТ/Ь *несов. что* 1 маънога эга бўлмоқ, англатмоқ, билдирмоқ, кўрсатмоқ, далолат бермоқ; **что э́то ~?** бу нима дегани?; бунинг маъноси нима?; буни қандай тушуниш керак?; бу қандай гап?; **э́то мно́го ~** бу кўп нарсани билдиради; 2 аҳамиятга эга бўлмоқ, аҳамиятли (қимматли) бўлмоқ; муҳим бўлмоқ; **ничего́ не ~ь** ҳеч бир аҳамияти йўқ; **ребёнок стал поправля́ться — вот что ~ во́здух!** бола тузала (соғая) бошлади — мана, ҳавонинг муҳимлиги нимада!

ЗНА́ЧИТЬСЯ *несов. кем-чем, как кто-что* или *в качестве кого-чего офиц.* бўлмоқ, ҳисобланмоқ; ҳисобда (рўйхатда, рўйхатда бор) бўлмоқ; **~ в о́тпуске** отпускада ҳисобланмоқ; **~ в спи́ске** рўйхатда (бор) бўлмоқ; **он у нас зна́чится в ка́честве инстру́ктора** (или **как инстру́ктор**) у бизда инструктор сифатида (ёки инструктор бўлиб) ишлайди.

ЗНА́ЧКИСТ *м* значок олган (значокли) киши; **~ ГТО** ГТО значоги олган киши.

ЗНА́ЧКИСТКА *ж, р. мн.* **-ток** *см.* **значки́ст.**

ЗНАЧО́К *м, р.* **-чка́** 1 значок; **па́мятный ~** хотира значоги; **комсомо́льский ~** комсомол значоги; **~ «Отли́чник здравоохране́ния»** «Соғлиқни сақлаш аълочиси» значоги; 2 белги, аломат, ишора, нишон; **значки́ на поля́х кни́ги** китоб ҳошиясидаги белгилар.

ЗНАЮЩИЙ, -ая, -ее 1 *прич. от* **знать**; 2 *в знач. прил.* билимдон, билармон, билағон, маълумотли, тажрибали, донишманд; **~ инжене́р** билағон (билимдон) инженер.

ЗНОБИ́/ТЬ, -и́т *несов. безл. кого* 1 жунжитмоқ, қалтиратмоқ, безгак тутмоқ, эти увушмоқ; **меня́ ~т** жунжикиб кетяпман, этим увушиб кетяпти; 2 *разг.* совқоттирмоқ, совуқ едирмоқ.

ЗНОЙ *м* 1 жазирама иссиқ, кун қизиғи; **полу́денный ~** пешиндаги жазирама (кун қизиғи); 2 олов тафти, тафт; 3 *перен.* эҳтирос, ўт, ҳарорат, шарора.

ЗНО́ЙНЫЙ, -ая, -ое; зно́ен, зно́йна 1 жазирама, иссиқ; **~ день** иссиқ кун; 2 *перен.* қизғин, оташин, ҳароратли, эҳтиросли; **~ взгляд** эҳтиросли нигоҳ.

ЗОБ *м, мн.* **-ы́** 1 жиғилдон (қушларда); 2 *мед.* буқоқ.

ЗОБА́СТЫЙ, -ая, -ое *разг.* катта жиғилдонли (ёки буқоқли); жиғилдони (ёки буқоғи) катта.

ЗО́БН/ЫЙ, -ая, -ое буқоққа оид; буқоқ...; **~ая о́пухоль** буқоқ шиши.

ЗОВ *м* 1 чақириқ овози; чақириқ, чақириш; **услы́шать ~** чақириқ овозини (чақирганини) эшитмоқ; 2 *разг.* чақириқ, таклиф, даъват; **прийти́ по пе́рвому ~у** биринчи чақириш биланоқ келмоқ; **откли́кнуться на ~** чақириққа (даъватга) жавоб бермоқ.

ЗОДИА́К *м астр.* зодиак, бурж (қуёшнинг йиллик ҳаракати йўлида босиб ўтадиган ўн иккита юлдузлар туркуми мажмуи); **зна́ки ~а** зодиак белгилари (ўн икки бурждан ҳар бирининг белгиси).

ЗОДИАКА́ЛЬНЫЙ, -ая, -ое *астр.* зодиакка, буржга оид; зодиак..., бурж...

ЗОДЧЕСК/ИЙ, -ая, -ое *книжн. уст.* и *высок.* меъморликка ва меъморчиликка оид; меъморлик...; меъморчилик...; **~ое иску́сство** меъморлик санъати.

ЗО́ДЧЕСТВО *с книжн. уст.* и *высок.* меъморлик, меъморчилик, архитектура; иморатсозлик, бинокорлик; **древнеру́сское деревя́нное ~** Қадимги Русь ёғоч меъморчилиги.

ЗО́ДЧИ/Й *м, р.* **-его** *книжн. уст. высок.* меъмор, архитектор; қурувчи, иморатсоз; бинокор; **достиже́ния сове́тских ~х** совет меъморларининг муваффақиятлари.

ЗОЛА́ *ж* кул.

ЗОЛЕ́НИЕ 1 кул сувида буғлаш (кирни); 2 оҳак сувида ошлаш (терини).

ЗОЛО́ВКА *ж, р. мн.* **-вок** қайнсингил (эрнинг сингли си); қайнэгачи (эрнинг опаси).

ЗОЛОТА́РЬ *м, р.* **-ря́** 1 *уст.* заргар; 2 зарҳалловчи (олтин югуртирувчи) уста; 3 *прост. уст.* ахлат ўра (ёки ҳожатхона) тозаловчи ишчи.

ЗОЛОТЕ́ТЬ, -е́ет *несов.* 1 олтиндай сарғаймоқ, сап-сариқ бўлмоқ; 2 олтиндай сарғайиб кўринмоқ.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЗОЛОТИ́ЛЬНЫЙ, -ая, -ое зарҳаллайдиган, зар берадиган (босадиган), олтин югуртирадиган; **~ пресс** зар берадиган (босадиган) пресс.

ЗОЛОТИ́ЛЬЩИК *м* зарҳалловчи, зар берувчи (қопловчи), олтин югуртирувчи.

ЗОЛОТИСТЫ/Й, -ая, -ое олтиндай сап-сариқ, олтин (тилла) ранг, олтин тусли (рангли), заррин; **~й ко́лос** олтиндай сап-сариқ бошоқ; **~е во́лосы** олтиндек сап-сариқ (ярқираган) сочлар; **~й зака́т** заррин шафақ.

ЗОЛОТИ́Т/Ь, -очу́, -оти́шь *несов. что* **1** олтинламоқ, зарҳалламоқ, ҳал бермоқ, зар (олтин) қопламоқ; олтин (тилла) югуртирмоқ; **~ь ло́жки** қошиққа олтин югуртирмоқ; **2** олтин (тилла рангига киритмоқ, олтин (тилла) туси бермоқ, олтиндек ярқиратмоқ; **со́лнце ~ верху́шки дере́вьев** қуёш дарахтларнинг учини олтиндек ярқиратган; қуёш нурида дарахтларнинг учи олтиндек ярқираб турибди.

ЗОЛОТ/И́ТЬСЯ, -и́тся *несов.* **1** олтин (тилла) ранг бўлмоқ; олтин (тилла) тусига кирмоқ; **рожь ~ится** жавдари буғдой тилла тусига кирмоқда; **2** олтиндек ярқираб кўринмоқ; **вдали́ ~я́тся пески́** узоқдан қумлар ярқираб кўринмоқда; **2** *страд. от* **золоти́ть 1.**

ЗО́ЛОТКО *с разг.* жонгинам, дўмбоққинам.

ЗОЛОТНИ́К I *м, р.* **-а́** мисқол (1/96 фунт ёки 4, 26 граммга тенг оғирлик ўлчов бирлиги); **мал ~, да до́рог** *погов.* озгинаю созгина, ўзи бир мисқолу, қадри баланд.

ЗОЛОТНИ́К II *м, р.* **-а́** золотник (турли машиналарда: буғ, суюқлиқ ёки газ тақсимловчи клапан).

ЗО́ЛОТО *с* **1** олтин, тилла, зар; **чи́стое ~** соф олтин; **червО́нное ~** тоза қизғиш олтин; **не всё то ~, что блести́т** *погов.* ярқираган нарсанинг ҳаммаси ҳам олтин бўлавермайди; **2** *собир.* олтин буюмлар; **3** олтин (тилла) пул; **уплати́ть ~м** олтин пул билан тўламоқ; **4** зар ип; зар; **шить ~м** зар билан тикмоқ; **5** *перен.* баҳосиз, бебаҳо, қимматбаҳо (одам, нарса ҳақида); **рабо́тник он ~** у бебаҳо ходим; **~ты мое́!** азизим!, жоним!; **6** *перен. разг.* олтин медаль; олтин; **боро́ться за ~** олтин медаль учун курашмоқ; **олимпи́йское ~** олимпия олтин медали; ✦ **чёрное ~** қора олтин (нефть ҳақида); **мя́гкое ~** юмшоқ олтин (қимматбаҳо мўйна ҳақида); **бе́лое ~** оқ олтин (пахта ҳақида); **на вес зо́лота** олтин баробарида, тилла баҳосида, жуда қиммат (қимматбаҳо).

ЗОЛОТОВОЛО́СЫЙ, -ая, -ое олтиндай сап-сариқ сочли, олтинсоч.

ЗОЛОТОДОБЫВАЮЩ/ИЙ, -ая, -ее олтин чиқарадиган (оладиган), қазийдиган); олтин чиқариш (олиш, қазиш)...; **~ая промы́шленность** олтин чиқариш (олиш, қазиш) саноати.

ЗОЛОТОИСКА́ТЕЛЬ *м* олтин қидирувчи.

ЗОЛОТОИСКА́ТЕЛЬСК/ИЙ, -ая, -ое олтин қидирувчиларга оид, олтин қидирувчи; олтин қидириш...; **~ая па́ртия** олтин қидирувчилар партияси.

ЗОЛОТ/О́Й, а́я, -о́е 1 олтинга оид, олтиндан қилинган; олтин билан қопланган, заррин; олтинли; олтин..., тилла...; **~о́й сли́ток** қуйма олтин, ёмби; **~о́й песо́к** олтинли қум, тилла қум; **~о́й пе́рстень** олтин (тилла) узук; **~ые купола́** олтин (қопланган) гумбазлар; **2** зар билан тикилган, зарбоф; **~ые пого́ны** зарбоф погонлар; **3** олтин баробаридаги; олтин...; тилла...; **~о́й рубль** олтин баробаридаги сўм; **~а́я валю́та** олтин (тилла) пул; **4** *в знач. сущ.* **~о́й** *м* олтин баробаридаги пул, червон; **5** олтиндек сап-сариқ, тилларанг, олтин (тилла) рангли; **~ые ку́дри** тилла ранг жингалак сочлар; **6** *перен.* олтин...; гўзал, хушбахт, бахтли; равнақли, фаровон; **~а́я пора́** бахтли (олтин) давр; **~о́й край** фаровон ўлка; **7** *перен.* қимматли, ажойиб, топилмайдиган, бебаҳо, баҳоси йўқ; **~ые слова́** қимматли гаплар; **~о́й рабо́тник** бебаҳо ходим; **~ые ру́ки** қўли олтин, қўли гул; олтин (чевар) қўллар; **8** *перен.* азиз, қимматли, жонажон, қадрдон; **~о́й мой!** азизим!; **9** *перен.* олтин медалли, олтин медаль олган, олтин медалга сазовор бўлган, олтин медаль келтирган; **~а́я кома́нда** олтин медалли (олтин медаль олган) команда; **~о́е очко́** олтин медаль келтирган очко; ✦ **~о́й век** олтин аср (ҳамма нарса, фан, маданият ва б.) равнақ топган аср; **~а́я о́сень** олтин, тўкинсочин куз (пишиқчилик фасли); **~а́я сва́дьба** олтин тўй (эр-хотинликнинг эллик йиллик тўйи); **~а́я середи́на** *см.* **середи́на; ~о́е дно** *разг. уст.* сердаромад иш, ёғлиқ жой; **~о́е сече́ние** *см.* **сече́ние.**

ЗОЛОТОКУ́ДРЫЙ, -ая, -ое *то же, что* **златоку́дрый.**

ЗОЛОТОНО́СНЫЙ, -ая, -ое; -сен, -сна олтинга бой, олтинли, олтин бор; **~ песо́к** олтинга бой (олтинли) қум.

ЗОЛОТОПРОМЫ́ШЛЕННИК *м* **1** олтин конлари хўжайини; **2** олтин саноати ишчиси.

ЗОЛОТОПРОМЫ́ШЛЕННОСТЬ *ж* олтин саноати, олтин чиқариш (олиш, қазиш) саноати.

ЗОЛОТОПРОМЫ́ШЛЕННЫЙ, -ая, -ое олтин саноатига оид; олтин саноати...

ЗОЛОТОРО́ТЕЦ *м, р.* **-тца** *прост. уст.* дайди, яланғоёқ.

ЗОЛОТОШВЕ́ЙКА *ж, р. мн.* **-е́ек** зардўз аёл.

ЗОЛОТОШВЕ́ЙН/ЫЙ, -ая, -ое зардўзликка оид; зар тикилган, зардўзи...; зардўзлик...; **~ые изде́лия** зардўзи (зар тикилган) буюмлар; **~ая мастерска́я** зардўзлик устахонаси.

ЗОЛОТУ́ХА *ж разг.* ширинча (болалар касаллиги).

ЗОЛОТУ́ШНЫЙ, -ая, -ое *разг.* **1** ширинча касаллигига оид; ширинча касалига йўлиққан; ширинча...; **~ ребёнок** ширинча касалига чалинган бола; **2** ранги заҳил, озғин, нимжон.

ЗО́ЛОТЦЕ *с* **1** *ласк. от* **зо́лото; 2** *перен.* жоним, жонгинам, азизим.

ЗОЛО́ТЧИК *м то же, что* **золоти́льщик.**

ЗОЛОЧЕ́НИЕ *с по гл.* **золоти́ть.**

ЗОЛОЧЕ́НЫ/Й, -ая. -ое зарҳалланган, олтин (тилла) қопланган (югуртирилган), зарҳал, заррин; **~е ло́жки** тилла югуртирилган қошиқлар.

ЗО́ЛУШКА *ж* шумшук қиз.

ЗО́ЛЬНИК *м спец.* **1** кулхона, кулдон; **2** оҳак суви (тери ошлаш учун); **3** сангоб (тери ошланадиган катта идиш).

ЗО́НА *ж* зона, доира, минтақа; **пограни́чная ~** чегара зонаси; **приго́родная ~** шаҳаратроф зонаси; **запре́тная ~** тақиқланган зона; **~ о́тдыха** дам олиш зонаси; **~ влия́ния** таъсир доираси; **~ огня́** отишма зонаси; **степна́я ~** чўллар зонаси (минтақаси); **географи́ческие зо́ны** географик зоналар.

ЗОНА́ЛЬНОСТЬ *ж спец.* зоналашганлик, зонавийлик, зоналарга хослик, зоналар бўйича тарқалганлик, тақсимланганлик; **~ почв** тупроқларнинг зонавийлиги (маълум зоналарга хослиги); **~ расти́тельности** ўсимликларнинг зоналашганлиги (зоналар бўйича тарқалганлиги).

ЗОНА́ЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое; -лен, -льна зоналашган, маълум бир зонага (минтақага) хос (боғлиқ) бўлган; зонал, зонавий, минтақавий; **~ая расти́тельность** зоналашган (маълум зоналарга хос) ўсимликлар; **~ые осо́бенности почв** тупроқнинг зонавий (ўз зонасига боғлиқ) хусусиятлари.

ЗОНД *м* зонд (**1** *мед.* ички аъзоларни текшириш ёки даволаш учун ишлатиладиган найсимон асбоб, найча; **2** *геол.* ер қатламларини текшириш учун ишлатиладиган бурғи; **3** атмосферанинг юқори қатламларини текшириш учун чиқариладиган ҳаво шари).

ЗОНДА́Ж *м то же, что* **зонди́рование.**

ЗОНДИ́РОВАНИЕ *с по гл.* **зонди́ровать; ~ ра́ны** яранги зондлаш (ярани зонд билан кўриш, тозалаш, даволаш); **~ по́чвы** ерни (тупроқни) зондлаш, зондлаб текшириш.

ЗОНДИ́РОВА́ТЬ *несов. кого-что* **1** *мед.* зондламоқ, зонд билан текширмоқ, даволамоқ; **2** *геол.* зондламоқ; зонд билан текширмоқ; **3** *перен. книжч.* ўсмоқчилаб (суриштириб, текшириб) кўрмоқ; ✦ **~ по́чву** қўйнига қўл солиб кўрмоқ, азмойишини олмоқ, текшириб замин ҳозирламоқ.

ЗО́ННЫЙ, -ая, -ое зонавий, зона...; **~ая ста́нция** зонавий станция; зона станцияси.

ЗОНТ *м, р.* **-а́ 1** *то же, что* **зо́нтик 1; 2** соябон, қалпоқ, шамсия; **наддверно́й ~** эшик тепасидаги соябон.

ЗОНТИК *м* **1** зонтик, соябон; **2** *бот.* тўпгул, чочоқ.

ЗОНТИ́ЧН/ЫЙ, -ая, -ое 1 зонтикка, соябонга оид; зонтик..., соябон...; **~ый чехо́л** соябон (зонтик) ғилофи; **2** зонтиксимон, зонтикка (соябонга) ўхшаган; **~ая анте́нна зон-**

www.ziyouz.com kutubxonasi

тиксимон антенна; **3** *в знач. сущ.* **~ые** *мн. бот.* соябошгуллилар.

ЗООЛО́Г *м* зоолог (зоология мутахассиси, олими).

ЗООЛОГИ́ЧЕСКИЙ, -ая, -ое 1 зоологияга оид, зоологик; зоология..., ҳайвонот...; **~й журна́л** зоологик журнал; **~й сад** ҳайвонот боғи; **2** *перен.* ҳайвоний, ҳайвонларга хос, ҳайвонларча, ваҳшиёна; **~е нра́вы** ҳайвоний хулқ-атвор; **~й страх** ҳайвоний қўрқув.

ЗООЛО́ГИЯ *ж* зоология.

ЗООМАГАЗИ́Н *м* (зоологи́ческий магази́н) зоомагазин, зоологик магазин, ҳайвонот магазини.

ЗООМОРФИ́ЗМ *м* зооморфизм, ҳайвонпарастлик, ҳайвонларга сиғиниш, худоларни ҳайвонлар образида тасаввур қилиш.

ЗООМОРФИ́ЧЕСКИЙ, -ая, -ое зооморфизмга, ҳайвонпарастликка оид, ҳайвонпарастликка асосланган; **~е представле́ния** ҳайвонпарастликка асосланган тасаввурлар.

ЗООПА́РК *м* зоопарк, ҳайвонот боғи.

ЗООСА́Д *м* зообоғ, ҳайвонот боғи.

ЗООТЕ́ХНИК *м* зоотехник, зоотехника мутахассиси.

ЗООТЕ́ХНИКА *ж то же, что* **зооте́хния.**

ЗООТЕХНИ́ЧЕСКИЙ, -ая, -ое зоотехникага оид, зоотехник; зоотехника...; **~ая лаборато́рия** зоотехник лаборатория.

ЗООТЕ́ХНИЯ *ж* зоотехния (чорва молларини асраш, кўпайтириш ва улардан тўғри фойдаланиш ҳақидаги фан).

ЗО́РЕНЬК/А *ж, р. мн.* **-нек** *ласк. от* **заря́** *нар.-поэт.* шафақ; ёғду, ёруғ; **на ~е** тонг ёруғида.

ЗО́РКИЙ, -ая, -ое; зо́рок, зорка́, зо́рко 1 ўткир кўзли; кўзи ўткир; ўткир; **~е глаза́** ўткир кўзлар; **~й охо́тник** кўзи ўткир овчи; **2** *перен.* ҳушёр, сергак, зийрак, сезгир; **сове́тские пограни́чники — ~ е часовы́е свое́й Ро́дины** совет чегарачилари ўз Ватанларининг зийрак соқчиларидир.

ЗО́РКО *нареч.* ҳушёрлик (сергаклик, зийраклик) билан, ҳушёр туриб, ҳушёр, сергак; **~ охраня́ть свяще́нные грани́цы Ро́дины** Ватаннинг муқаддас чегараларини зийраклик билан муҳофаза қилмоқ.

ЗО́РКОСТЬ *ж* **1** кўзи ўткирлик, ўткирлик; **~ сна́йпера** снайпернинг кўзи ўткирлиги; **2** *перен.* ҳушёрлик, сергаклик, зийраклик, сезгирлик; **~ иссле́дователя** тадқиқотчининг зийраклиги.

ЗО́РЬКА *ж ласк. от* **заря́** *нар.-поэт.* и *разг. то же, что* **зо́ренька.**

ЗРА́ЗЫ *мн.* (*ед.* **зра́за** *ж*) зрази (қийма гўшт орасига бирор нарса солиб пиширилган овқат); **~ с ри́сом** гуручли зрази.

ЗРАЧКО́ВЫЙ, -ая, -ое қорачиққа (кўз қорачиғига) оид; кўз қорачиғи...

ЗРАЧО́К *м, р.* **-чка́** қорачиқ, кўз қорачиғи.

ЗРЕ́ЛИЩ/Е *с* **1** манзара, кўриниш; **~е гор** тоғ манзараси, тоғларнинг кўриниши; **необыкнове́нное ~е** ажойиб манзара; **2** томоша; **ма́ссовые ~а** оммавий томошалар.

ЗРЕ́ЛИЩНЫЙ, -ая, -ое томошага оид; томоша кўрсатадиган (кўрсатувчи); томоша...; **~е предприя́тия** томоша кўрсатувчи муассасалар (театр, кино ва ҳ. к.).

ЗРЕ́ЛОСТЬ *ж* **1** етилганлик, пишганлик; **2** болиғлик, балоғат, вояга (бўйига) етганлик; **3** *перен.* етуклик, етилганлик, камолот, камол, расолик; **полити́ческая ~** сиёсий етуклик; **✦ восковáя ~** думбуллик.

ЗРЕ́Л/ЫЙ, -ая, -ое 1 етилган, пишган, пишиқ; **~ый виногра́д** пишган узум; **2** балоғатга (вояга, бўйига) етган, болиғ; балоғат...; **~ый во́зраст** балоғат ёши; **3** *перен.* етук, пишиқ, пухта, баркамол, расо; **~ый специали́ст** етук мутахассис; **~ое произведе́ние** етук (пишиқ, пухта) асар; **~ая мысль** пухта (ўйланган) фикр; **~ый ум** расо ақл.

ЗРЕ́НИ/Е *с* кўриш қобилияти; кўриш; кўз; **хоро́шее ~е** яхши кўриш; кўзнинг ўткирлиги; **сла́бое ~е** хира кўриш; кўзнинг ожизлиги; **лиши́ться ~я** кўздан ажралмоқ (қолмоқ); **✦ то́чка ~я** нуқтаи назар, қараш; **по́ле ~я 1)** кўриш майдони, доираси; **2)** *перен.* қизиқиш доираси; билим даражаси (доираси).

ЗРЕ́ТЬ I *несов.* (*сов.* **созре́ть**) **1** пишмоқ, етилмоқ; **зре́ет виногра́д** узум пишяпти; **2** *перен.* камол топмоқ; етилмоқ; камолга етмоқ (эришмоқ); пишиб етмоқ (етилмоқ); **зре́ют пла́ны** режалар пишиб етмоқда (етилмоқда).

ЗРЕ́ТЬ II *несов. кого-что уст.* **1** кўрмоқ; **2** *также на кого-что* қарамоқ, боқмоқ.

ЗРИ́МОСТЬ *ж книжн.* кўзга кўринарлилик, кўриниб туриш, кўз илғаш.

ЗРИ́М/ЫЙ, -ая, -ое 1 *прич. от* **зреть II; 2** *в знач. прил.* кўриб бўладиган, кўзга кўринадиган, кўриниб **турадиган; кўз** илғайдиган; **~ый мир** кўзга кўриниб турадиган бо́рлиқ; **3** *перен. в знач. прил.* сезиларли, кўринарли, кўриниб турган, аён; **~ая связь** кўриниб турган боғланиш; **~ые черты́ ко́ммуни́зма** коммунизмнинг кўриниб турган белгилари (аломатлари).

ЗРИТЕЛ/Ь *м* **1** шунчаки (ёки қизиқсиниб) қаровчи, кузатувчи, томошачи, томошабин; **пра́здные ~и** бекорчи томошачилар (томошабинлар); **2** томошабин; **театра́льные ~и** театр томошабинлари; **взыска́тельный ~ь** талабчан томошабин.

ЗРИТЕЛЬНИЦА *ж см.* **зри́тель.**

ЗРИТЕЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое 1 кўришга оид; кўриш...; **~ый нерв** кўриш нерви; **~ая па́мять** кўз хотираси (кўрганни эслаб қолиш қобилияти); **2** қарайдиган, кўрадиган, оптик; **~ая труба́** дурбин; **3** томошалар кўрсатиладиган; томоша...; **~ый зал** томоша зали.

ЗРЯ *нареч. разг.* бекор(га), беҳуда(га), ўринсиз, **зо́е,** бефойда; **~ тра́тить де́ньги** пулни беҳуда сарфламоқ; **~ тра́тить вре́мя** вақтни зое қилмоқ (кеткизмоқ); **~ говори́ть** бекор(га) гапирмоқ.

ЗРЯ́ЧИЙ, -ая, -ее кўра оладиган, кўзи бор (очиқ), кўзли.

ЗРЯ́ШН/ЫЙ, -ая, -ое *прост.* **1** бекорчи, беҳуда, ўринсиз; **~ая рабо́та** бекорчи (беҳуда) иш; **~ый разгово́р** беҳуда (ўринсиз) гап; **2** ҳеч нарсага арзимайдиган, арзимас, бир пулга қиммат; **~ый челове́к** бир пулга қиммат одам.

ЗУБ *м* **1** *мн.* **~ы,** *р.* **-о́в** тиш; дандон; **коренны́е ~ы** озиқ (жағ) тишлар; **2** *мн.* **~ья,** *р.* **-ьев** тиш (асбобларда); **~ья пилы́** арра тишлари; **~ья шестерни́** шестерня тишлари; **✦ моло́чные ~ы** сут тишлар; **вооружённый до ~о́в** тиш-тирноғигача қуролланган; **~ на́ ~ не попада́ет** тиши тишига (жағи жағига) тегмайди (қалтироқдан); **~ы на по́лку (класть)** қозонни сувга ташлаб қўймоқ; **тишининг** кирини сўриб ўтирмоқ, очиқ-тўқин яшамоқ; **сквозь ~ы** (говори́ть, бормота́ть и т. п.) зўрға гапирмоқ, истар-истамас сўзламоқ, минғилламоқ, минғ-минғ қилиб гапирмоқ, оғзини очмай (лабни қисиб) гапирмоқ; **~ы точи́ть** 1) *на кого разг.* тиш қайрамоқ, чуқур қазимоқ, кафан бичмоқ, ҳап сенини деб (яниб) юрмоқ; 2) *на что* кўз тикмоқ, кўзламоқ, пайида бўлмоқ; **не по ~а́м** тиши ўтмайди, қўлидан келмайди, эплай олмайди; **ни в ~ (толкну́ть) и ни в ~ но́й** *прост.* оғзини очолмайди, алифни калтак дея олмайди, ҳеч нарса билмайди; **име́ть ~ против кого** или **на кого** *разг.* тиш қайрамоқ, кек сақламоқ, қасди бўлмоқ; **~а́ми держа́ться** (или **(ухвати́ться)** маҳкам ушлаб (ёпишиб) олмоқ; тиш-тирноғи билан ёпишмоқ; **пока́зывать ~ы** 1) тиржаймоқ, тишининг оқини кўрсатмоқ; 2) қилич яланғочламоқ, зўрлик (зўравонлик) қилмоқ; **гляде́ть (или смотре́ть) в ~ы** *кому прост.* кўнглига қарамоқ; бўш қарамоқ, риоя-гарчилик қилмоқ; **вы́рвать из ~о́в** аранг олмоқ, зўрға кўлга киритмоқ; **лома́ть** *на чём* **~ы** тишини синдирмоқ, тиши синмоқ, уддасидан чиқа олмай шикаст топмоқ; **~ы съесть** ҳадисини (ҳавосини, машқини) олмоқ, эзиб ичиб юбормоқ; **навя́зло в ~а́х** жонга тегди, меъдага урди.

ЗУБА́СТ/ЫЙ, -ая, -ое 1 катта (ўткир) тишли; тиши кўп; тиши ўткир; **~ая щу́ка** тиши ўткир чўртан балиқ; **2** *перен.* тили ўткир (аччиқ), оғзи ботир, ҳеч кимни раъя-андиша қилмайдиган, ҳеч кимдан тап тортмайдиган; **~ый па́рень** тили ўткир (оғзи ботир) йигит.

ЗУБА́ТЫ/Й, -ая, -ое тишли; **~е киты́** тишли китлар.

ЗУБ/ЕЦ *м, р.* **-бца́ 1** тиш, тишча; **~е́ц пилы́** арра (нинг) тишлари; **~цы́ у гра́блей** хаскаш (нинг) тишлари; **~цы́ колеса́** ғилдирак тишлари; **2** *мн.* **зубцы́** дандана, кунгура; **~цы́ кремлёвских стен** Кремль деворларининг данданалари.

ЗУБИ́ЛО *с* зубило (темир кесиш, тош тарашлаш ва ш. к. ишларда қўлланиладиган исканасимон асбоб).

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЗУБИ́ЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое зубилога оид; зубило...; **~ое** ле́звие зубило дами (тиғи).

ЗУБН/О́Й, -а́я, -о́е 1 тишга оид; тиш...; **~а́я боль** тиш оғриғи; **~а́я щётка** тиш чўтка, тиш ювадиган чўтка; **~о́й врач** тиш доктори; 2 *лингв.* тиш иштирокида юзага келадиган; тиш...; **~ы́е согла́сные** тиш товушлари.

ЗУБО́ВНЫ/Й: скре́жет ~й тиш ғижирлатиш, қаттиқ ғазаб; **со скре́жетом ~м** ижирғаниб, сира (мутлақо) истамай, ноилож ликдан, ўлганнинг кунидан.

ЗУБОВРАЧЕ́БНЫЙ, -ая, -ое тиш(ни) даволашга оид; тиш(ни) даволаш...; **~ кабине́т** тиш даволаш кабинети.

ЗУБОВРАЧЕВА́НИЕ *с* тиш(ни) даволаш, тиш докторлиги.

ЗУБО́К *м, р.* **-бка́** 1 *мн.* **зу́бки,** *р.* **-бок** *уменьш.-ласк. от* **зуб**; 2 *мн.* **зубки́,** *р.* **-о́в** *спец.* кескич тиш (машина, механизм, асбоб-ускуналарда); ✦ **знать на ~** ёд билмоқ, сувдай ичиб юбормоқ; **на ~** (подари́ть) чақалоққа кўрмана (суюнчи) бермоқ; **попа́сть на ~** *кому разг.* оғизга тушмоқ, гап (масхара, майна) бўлмоқ, танқидга учрамоқ.

ЗУБОЛЕЧЕ́БНИЦА *ж уст.* тиш шифохонаси.

ЗУБОЛЕЧЕ́БНЫЙ, -ая, -ое *то же, что* **зубоврачебный.**

ЗУБОРЕ́ЗНЫЙ, -ая, -ое *тех.* тиш кесадиган; тиш кесиш...; **~ стано́к** тиш кесадиган станок.

ЗУБОСКА́Л *м прост.* мазахчи, пичингчи; шунингдек ҳангамалашишни (ҳангама сўқишни, ҳазил-мутоибани) яхши кўрадиган одам, ҳазилкаш.

ЗУБОСКА́ЛИТЬ *несов. прост.* масхара (мазах, майна, пичинг) қилмоқ; шунингдек ҳангамалашмоқ; ҳангама сўқмоқ, ҳазил-ҳузил (ҳазил-мутоиба) қилмоқ.

ЗУБОСКА́ЛКА *ж, р. мн.* **-лок** *прост. см.* **зубоска́л.**

ЗУБОСКА́ЛЬСТВО *с* масхаралаш, мазах (майна, пичинг) қилиш.

ЗУБОТЫ́ЧИНА *ж прост.* оғизга мушт тушириш (уриш), уриб тишларини синдириш.

ЗУБОЧИ́СТКА *ж, р. мн.* **-ток** тишкавлагич.

ЗУБР *м* 1 зубр; 2 ўтакетган (уччига чиққан) жоҳил, реакционер, тескаричи; 3 *разг. шутл.* йирик мутахассис; **редакцио́нный ~** редакциянинг йирик (етакчи) ходими.

ЗУБРЕ́ЖКА *ж, р. мн.* **-жек** тушунмасдан ёдлаш, ёдлаб олиш.

ЗУБРИ́ЛА *м* и *ж разг.* тушунмасдан ёдловчи, қироатхон.

ЗУБРИ́ЛКА *м* и *ж разг. то же, что* **зубри́ла.**

ЗУБРИ́ТЬ I и **ЗУБРИТЬ** *несов. что* 1 *спец.* тиш чиқармоқ (очмоқ); тишамоқ; **~ пилу́** аррани тишамоқ; 2 дамини (юзини) қайтармоқ, тиғини арра қилиб юбормоқ; **~ нож** пичоқнинг дамини қайтармоқ (тиғини арра қилиб юбормоқ).

ЗУБРИ́ТЬ II *несов. что разг.* тушунмасдан ёдламоқ, ёдлаб олмоқ.

ЗУБРИ́ТЬСЯ I, -и́тся и **ЗУБРИТСЯ, -ится** *несов.* 1 юзи (дами) қайтмоқ, арра бўлиб қолмоқ; 2 *страд. от* **зубри́ть I.**

ЗУБРИ́ТЬСЯ II *несов. страд. от* **зубри́ть II.**

ЗУБРО́ВКА *ж* 1 тилқиёр, зубровка (ўсимлик); 2 зубровка (шу ўсимликдан настойка қилинган арақ).

ЗУБРО́ВЫЙ, -ая, -ое зубрга оид; зубр...; **~ заповéдник** зубр кўриқхонаси.

ЗУБЧА́ТКА *ж, р. мн.* **-ток** *спец.* тишли ғилдирак.

ЗУБЧА́Т/ЫЙ, -ая, -ое 1 тишли; **~ое колесо́** тишли ғилдирак; 2 данданали, кунгурадор; **~ая стена́** данданали девор.

ЗУБЧИК *м* кичкина (майда) тиш, тишча.

ЗУД *м* 1 қичима, қичиш, қичиқ; **вызыва́ть ~** қичитмоқ; 2 *перен. разг.* зўр (қаттиқ) ҳавас, тийиб бўлмайдиган истак; қисташ, тутиш; **писа́тельский ~** ёзувчиликка зўр ҳавас; ёзувчилиги қисташ (тутиш).

ЗУДА́ *м* и *ж прост.* шилқим, хира.

ЗУД/И́ТЬ I, -ди́т *несов. разг.* 1 қичимоқ, қичишмоқ, қичиқ турмоқ; **те́ло ~и́т** баданим қичишяпти; 2 *перен.* қистамоқ, тутмоқ; қичимоқ; **язы́к так и ~и́т** тилим қичияпти; айтмасам (гапирмасам) бўлмайди.

ЗУДЕ́ТЬ II, зужу́, зуди́шь *несов. разг.* 1 чувиллашмоқ; ғувилламоқ; ғув-ғув қилмоқ; **зудя́т комары́ чивин** ғувиллаяпти; 2 *перен.* минғилламоқ; ғингшимоқ, минғирминғир қилмоқ; минғирлаб жонга тегмоқ, безор қилмоқ; **переста́нь ~!** минғирлайверма!

ЗУДИ́ТЬ I, -и́т *несов. прост. то же, что* **зудéть I.**

ЗУДИ́ТЬ II, зужу́, зуди́шь *несов. прост. то же, что* **зудéть II.**

ЗУЛУ́ *нескл.* 1 *то же, что* **зулу́сы**; 2 зулус(лар) тили, зулу.

ЗУЛУ́С *м* зулус; *см.* **зулу́сы.**

ЗУЛУ́СКА *ж, р. мн.* **-сок** зулус аёл; *см.* **зулу́сы.**

ЗУЛУ́ССКИ/Й, -ая, -ое зулусларга оид; зулус(лар)...; **~й язы́к** зулус(лар) тили, зулу; **~е обы́чаи** зулусларнинг урф-одатлари.

ЗУЛУ́СЫ *мн.* (*ед.* **зулу́с** *м,* **зулу́ска** *ж*) зулуслар (Жанубий Африкада яшовчи элат).

ЗУ́ММЕР *м* зуммер (товуш сигнали берадиган электр асбоб).

ЗУРНА́ *ж* сурнай.

ЗЫБИТЬ, -блю, -блешь *уст. сов. что* тебратмоқ, ҳилпиратмоқ, чайқатмоқ; силкитмоқ ликиллатмоқ; жимирлатмоқ, мавжга келтирмоқ.

ЗЫБИ́ТЬСЯ, -блется *несов. уст поэт.* тебранмоқ, ҳилпирамоқ, чайқалмоқ, силкинмоқ, ликилламоқ, билқилламоқ, жимирламоқ, мавж урмоқ, мавжга келмоқ; **во́лнами зы́блются золоты́е коло́сья** олтин бошоқлар тўлқинланиб ҳилпирайди.

ЗЫБК/А *ж, р. мн.* **-бок** *прост.* беланчак; бешик; **кача́ть ~у** беланчакда тебратмоқ.

ЗЫБК/ИЙ, -ая, -ое; -бок, -бка́, -бко 1 қалқиб (чайқалиб, қимирлаб) турадиган, чайқаладиган, ликиллайдиган, қалқима; **~ая ло́дка** қалқиб турадиган (қалқима) қайиқ; 2 билқиллоқ, билқиллама; **~ая по́чва** билқиллоқ (билқиллама) ер; 3 *перен.* беқарор, смонат, ишониб бўлмайдиган, қалқиб турган; **~ое положе́ние** қалқиб турган вазият.

ЗЫБУ́Н *м, р.* **-а́** 1 билқиллама ер, жой, ботқоқлик; 2 *мн.* **~ы́** кўчиб юрадиган билқиллоқ қумлар.

ЗЫБУ́ЧИ/Й, -ая, -ее *то же, что* **зы́бкий; ~е пески́** билқиллама қумлоқлар.

ЗЫБ/Ь *ж* 1 мавж, жимирлаш; мавжланиш; **~ь на о́зере** кўл бетининг мавжи, мавжланиши; **рожа́не по́ле подёрнулось ~ью** жавдар майдони мавжланди; 2 *р. мн.* **~е́й** *уст. поэт.* тўлқин, тўлқинлар; ✦ **мёртвая ~ь** шамолсиз вақтда сув юзининг жимирлаши (тўлқинланиши).

ЗЫКА́ТЬ *несов. см.* **зы́кнуть.**

ЗЫ́КНУТЬ *сов.* (*несов.* **зы́кать**) *разг.* 1 *на кого-что* бақирмоқ, ўшқирмоқ, бақириб бермоқ; 2 кучли (қаттиқ) овоз чиқармоқ, чийилламоқ, чинқирмоқ.

ЗЫРЯ́НЕ *мн.* (*ед.* **зыря́нин** *м,* **зыря́нка** *ж*) *уст. то же, что* **ко́ми.**

ЗЫ́ЧНЫЙ, -ая, -ое; -чен, -чна қаттиқ, ўткир, жарангли, гулдурос; **~ го́лос** қаттиқ овоз; қулоқни тешадиган (чинқироқ, чийилдоқ, ўткир) овоз.

ЗЮЗЯ *м* и *ж прост.:* **зю́зя-зю́зей** или **как зю́зя** (пьяный, мокрый и т. п.) ғирт маст (шилта ҳўл, алжираб, обдираб қолган ва ҳ. к.).

ЗЮЙД *м* 1 *мор.* жануб; жануб томон; жанубий йўналиш; 2 *мор. метеор.* жанубий (жанубдан эсган) шамол.

ЗЮЙД-ВЕСТ *м* 1 *мор.* жануби ғарб; 2 *мор. метеор.* жануби шарқий шамол.

ЗЮЙД-ОСТ *м* 1 *мор.* жануби шарқ; 2 *мор. метеор.* жануби шарқий шамол.

ЗЯБКИ/Й, -ая, -ое; -бок, -бка́, -бко *разг.* совуққа ожиз, совуққа чидай олмайдиган; **с года́ми стал ~м** ёши ўтиб, совуққа ожиз бўлиб қолди.

ЗЯБКО *разг.* 1 *нареч.* совқотиб, жунжиб, жунжикиб; **Зя́бко передёрнув плеча́ми, он приподнима́ет воротни́к тужу́рки** (М. Горький) Совуқдан жунжикиб, елкаларини қоқди-да, тужуркасининг ёқасини кўтариб олди; 2 *в знач. сказ.* совуқ ўтиб кетади, жунжикиб кетасан киши; **~стоя́ть на моро́зе** совуқда турсанг, жунжикиб кетасан, киши; 3 *безл. в знач. сказ. кому-чему* совқотиб кетди, совуқ еди; **рука́м ~** қўллар совқотиб кетди; **мне бы́ло ~** мен совқотиб кетган эдим.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЗЯБКОСТЬ *ж* совуққа ожизлик.

ЗЯБЛЕВ/ЫЙ, -ая, -ое кузги; **~ая обрабо́тка земли́** ерга кузги ишлов бериш.

ЗЯБЛИК *м* зяблик (сайроқи қуш).

ЗЯБЛЫЙ, -ая, -ое *прост.* и *обл.* 1 совуқ урган; **~ лук** совуқ урган пиёз; 2 *то же, что* **зя́бкий.**

ЗЯБНУ/ТЬ, -ну, -нешь; зяб, зя́бла *несов.* 1 совқотмоқ, совуқ емоқ, жунжимоқ; **всё вре́мя ~** ҳамиша жунжикиб юраман; **~ть на ветру́** шамолда совқотмоқ; 2 совуқ урмоқ, совуқ уриб нобуд бўлмоқ.

ЗЯБЬ *ж* кузги шудгор; **подня́ть ~** кузги шудгор қилмоқ.

ЗЯТЬ *м, мн.* **зятья́** 1 куёв; домод; 2 почча; 3 қайнсингилнинг (ёки қайнэгачининг) эри.

И

И I *союз* 1 гапнинг уюшиқ бўлакларини боғлайди: ва, билан, ҳам; **нау́ка и жизнь** фан ва турмуш; **ста́рые и ма́лые** каттала́р ҳам, кичиклар ҳам, каттаю кичик; **сою́з серпа́ и мо́лота** ўроқ билан болға бирлиги; 2 санашни, ажратишни билдириб келади: ва, ҳам; **и есть хоче́тся, и пить** ҳам овқат егим келяпти, ҳам ташна бўлаяпман; ҳам қорин оч, ҳам ташнаман; 3 такрорланувчи сўзлар орасида келиб иш-ҳаракатнинг, белги-хусусиятнинг тобора кучайишини, давомлилигини билдиради; **Мете́ль станови́лась сильне́е и сильне́е** (Л. Толстой) Изғирин тобора кучаймоқда эди; **А же́нщина всё говори́ла и говори́ла о свои́х несча́стьях** (К. Симонов) Аёл тинмай ўзининг бахтсизликларидан гапирар эди; 4 икки сўз орасида келиб, бир бутун маъно ифодаловчи бирикма ҳосил қилади; **там и сям** у ер-бу ерда, онда-сонда, ора-сира; **целико́м и по́лностью** батамом, тўлиқ; **бе́гать взад и вперёд** у ёқдан бу ёққа ғиз-ғиз бориб келмоқ; **дневáть и ночевáть на рабо́те** кечаю-кундуз ишда қолиб кетмоқ; 5 маънодош дарак гапларни боғлайди: ва, ҳам; **засия́ло со́лнце, и запе́ли пти́цы** қуёш чарақлаб чиқди ва қушлар сайрай бошлади; **Мы простили́сь ещё раз, и ло́шади поскака́ли** (Пушкин) Биз яна бир марта хайр-хўшлашдик, ва отлар жойидан қўзғалиб, ғизиллаб кетди; 6 ундов, сўроқ ёки дарак гапларнинг бошида келиб, маънони таъкидлаш, кучайтириш ёки аввалги гапларга боғлаш учун хизмат қилади; **и как он уме́л расска́зывать!** ҳикоя қилганда ҳам, шундай ҳикоя қилар эдики!; **и как вы могли́ пове́рить э́тому!** шунга сиз ишониб ўтирибсизми?!; қандай қилиб шунга ишондингиз!; 7 қўшма гапнинг бир қисмида «да», «так» сўзлари бўлса, тўсиқ маъносини билдиради; **и пошёл бы с ва́ми, да вре́мени нет** сиз билан борардим-ку, лекин вақтим йўқ; 8 сабабий боғланиш муносабатида бўлган гапларни боғлаб келади: учун, сабабли, боисдан; шундай экан; у (шу) ҳолда; шундагина; **он не рассчи́тывал на успе́х, и не стал подава́ть заявле́ние в вуз** у муваффақият қозонишига ишонмас, шу сабабли олий ўқув юртига ариза бермай қўя қолди; **на́до своё де́ло люби́ть, и тогда́ мо́жно в нём преуспе́ть** киши ўз ишини севиши керак, шундагина у муваффақиятга эриша олади; 9 зидлик муносабати билан боғланган гапларни ёки гап бўлакларини боғлаб келади: аммо, бироқ, лекин, ҳам; **мужчи́на, и пла́чет** эркак киши бўлса ҳам, йиғлаб ўтирипти; **Хоте́л объе́хать це́лый свет, И не объе́хал со́той до́ли** (Грибоедов) Бутун дунёни кезиб чиқмоқчи эди, бироқ юздан бирини ҳам кўролмади.

И II *частица* 1 ҳатто, ҳаттоки, ҳатто... ҳам; фақат; **э́то и я могу́ сде́лать** буни ҳатто мен ҳам қила оламан; **и сам не рад** ўзи (ҳатто ўзи ҳам) хурсанд эмас; **о землетрясе́нии и говоря́т!** фақат зилзила ҳақида гапиришади!; **об э́том я и не подозрева́л** буни ҳатто хаёлимга ҳам келтирмаган эдим; 2 қандай; қандай қилиб; нақадар; шу қадар; ахир; **и как мо́жно так пло́хо отзыва́ться о дру́ге!** қандай қилиб киши ўз дўстини шу қадар ёмонлай олади, ахир!; 3 ҳам; шунингдек; **он зашёл и ко мне** у менинг олдимга (ҳузуримга) ҳам кирди; **Бу́дет и на на́шей у́лице пра́здник** *погов.* Бизнинг кўчамизда ҳам байрам бўлиб қолар (бўлади).

И III *межд. разг.* и, ие, э; **хорошо́ бы прогуля́ться.— И-и, в тако́й-то моро́з!** бир айланиб келсак яхши бўларди-да.— И (ие), шундай совуқда-я; **и, по́лно пла́кать** ий (ие), қўйинг йиғини; э, йиғламанг-е; 2 э-э, э-ҳе, оҳо, о-о-о; **Я ско́лько мучéния приняла́, Ве́рочка, и-и-и, и-и-и, ско́лько!** (Чернышевский) Мен қанчалар азоб чекдим, Верочка, э-ҳе, қанчалар!

ИБЕРИЕЦ *м, р.* **-и́йца** иберий; *см.* **иберийцы.**

ИБЕРИ́ЙКА *ж, р. мн* **-и́ек** иберий аёл; *см.* **иберийцы.**

ИБЕРИ́ЙСКИ/Й, -ая, -ое иберийларга оид; иберий (лар)...; **~е языки́** иберий тиллари.

ИБЕРИ́ЙЦЫ *мн. (ед.* **иберие́ц** *м,* **иберийка** *ж) то же, что* **ибе́ры.**

ИБЕ́РЫ *мн.* иберийлар (1 қадимги шарқий грузин қабилалари; 2 қадимги Испанияда яшаган қабилалар).

ИБИС *м* ибис (иссиқ мамлакатларда яшайдиган, лайлакка ўхшаш узун оёқ қуш).

ИБИСО́ВЫЙ, -ая, -ое ибисга оид; ибис...

ИБО *союз книжн.* чунки, негаки, шунинг учунки, шунга кўра.

ИВА *ж* тол; **~ бе́лая** оқ тол; **~ ю́жная** қора тол; **плаку́чая ~** мажнунтол.

ИВА́Н-ДА-МА́РЬЯ *ж* иван-да-марья (гули сариқ, барглари бинафша ранг ўтсимон ўсимлик).

ИВА́НОВСК/ИЙ: во всю ~ую бор кучи (овози) билан, товуши(нинг) борича; ҳамма ёқни бошига кўтариб, қулоқни қоматга келтириб; **крича́ть во всю ~ую** бор кучи (овози) билан (товуши борича) бақирмоқ.

ИВА́Н-ЧАЙ *м* қизилқон (пуштиранг гулли баланд гиёҳ; гули чой ўрнида ишлатилади).

ИВАСЕ́ВЫЙ, -ая, -ое ивасига оид; иваси...; **~лов** иваси ови; иваси овлаш.

ИВАСИ́ *ж нескл.* иваси (Узоқ Шарқ сувларида бўладиган майда балиқ).

ИВНЯК *м, р.* **-а́** 1 толзор; 2 *собир.* тол новдалари; **корзи́на из ~а́** тол новдасидан тўқилган сават, толсават.

ИВНЯКО́ВЫЙ, -ая, -ое 1 толзорга оид; толзор...; 2 тол новдасидан тўқилган.

ИВОВ/ЫЙ, -ая, -ое 1 толга оид; тол...; **~ые ли́стья** тол барглари; 2 тол новдаларидан тўқилган; чивиқ...; **~ая корзи́на** тол новдаларидан тўқилган сават, толсават; 3 *в знач. сущ.* **~ые** *мн. бот.* толлар оиласига мансуб ўсимликлар.

ИВОЛГА *ж* зарғалдоқ (қуш).

ИВРИ́Т *м* иврит (қадимги яҳудий тили, ҳозир Исроил давлатининг расмий тили).

ИГЛА́ *ж, мн.* **и́глы** 1 игна, нина; **маши́нная ~** машина игнаси; **хирурги́ческая ~** хирургик игна; **вяза́льная ~** тўқув игнаси; **патефо́нная ~** патефон игнаси; 2 *мн.* **и́глы** тикан, тиканак, игна; **и́глы у ежа́** типратикан игнаси; **сосно́вые и́глы** қарағай игналари (игнасимон барглар); 3 *чего* или *какая* найза, игна; **ледяны́е и́глы** муз найзалари; **Адмиралте́йская ~** Адмиралтейство минорасининг найзаси (Ленинградда).

ИГЛИСТЫЙ, -ая, -ое 1 тиканакли, тиканак билан қопланган, сертикан; **~ ка́ктус** тиканакли кактус; 2 игналар шаклидаги, найза-найза; **~ и́ней** найза-найза қиров.

ИГЛОВИ́ДНЫ/Й, -ая, -ое; -ден, -дна игнага ўхшаган, игна шаклидаги, игнасимон; **~е ли́стья** игнасимон барглар.

ИГЛОДЕРЖА́ТЕЛЬ *м* игнадаста, игнатутқич; **патефо́нный ~** патефон игнатутқичи.

ИГЛОКО́ЖИЕ *мн., р.* **-их** *зоол.* игнатанлилар (териси игналар билан қопланган умуртқасиз денгиз ҳайвонлари).

ИГЛООБРА́ЗНЫЙ, -ая, -ое; -зен, -зна *то же, что* **иглови́дный.**

ИГЛОТЕРАПИ́Я *ж* игнатерапия (игна билан даволаш).

ИГЛОУКА́ЛЫВАНИЕ *с то же, что* **иглотерапи́я.**

ИГЛУ *с нескл.* иглу (Шимолий Америка эскимосларининг муз плиталардан қилинган уйи).

www.ziyouz.com kutubxonasi

ИГНОРИ́РОВАНИЕ *с по гл.* **игнори́ровать; ~ сове́тов ста́рших** катталар насиҳатини писанд қилмаслик (менсимаслик).

ИГНОРИ́Р/ОВАТЬ *сов.* и *несов. кого-что* эътиборсиз қолдирмоқ, эътиборга олмаслик; назар-писанд қилмаслик; менсимаслик; **~овать фа́кты** фактларни эътиборга олмаслик; **~ует моё мне́ние** у менинг фикримни назар-писанд қилмаяпти (қилмайди).

И́ГО *с высок.* зулм, жабр, асорат, истибдод; **освободи́ться от и́га эксплуата́торов** эксплуататорлар зулмидан озод бўлмоқ; **колониа́льное и́го** колониал зулм; **под и́гом колониза́торов** колонизаторлар (мустамлакачилар) зулми (истибдоди) остида.

ИГО́ЛК/А *ж, р. мч.* **-лок** *то же, что* **игла́** 1, 2; **куда́ ~а, туда́ и ни́тка** *погов.* катта арава қаёққа юрса, кичик арава ҳам шу ёққа юради (*л. м.* **ип** ҳам игна ўтган жойдан ўтади); ✦ **быть (или сиде́ть) как на ~ах** ўзини игна устида ўтиргандек сезмоқ, безовта (бетинч) ўтирмоқ, жони ҳалак бўлмоқ; хавотирликда (ташвишда) қандай ўтирганини билмаслик; **иска́ть ~у в сто́ге се́на** сомон (пичан ғарами) ичидан нина қидирмоқ, фойдасиз ишга уринмоқ, беҳудага вақт сарф қилмоқ.

ИГО́ЛОЧК/А *ж, р. мн.* **-чек** *уменьш. от* **иго́лка** нинача, кичкина игна; ✦ **с ~и** эндигина тикилган (яп-янги), қўлдан (игнадан) чиққан (кийим ҳақида); **костю́м с ~и** яп-янги костюм; **с ~и оде́т** кийимлари яп-янги, чақмоқдай кийинган.

ИГО́ЛОЧН/ЫЙ, -ая, -ое игнага оид; игна...; **~ый уко́л** игна санчиш; игна санчиғи; **~ое произво́дство** игна ишлаб чиқариш.

ИГО́ЛЬНИК *м* игна қадоб қўйиладиган ёстиқча, игна қути.

ИГО́ЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое игнага оид; игна...; **~ое ушко́** игнанинг кўзи (тешиги).

ИГО́ЛЬЧАТ/ЫЙ, -ая, -ое 1 игнали, игна билан қопланган; тиканакли; игна билан таъминланган; **~ая ле́нта** игнали лента; 2 игнасимон; **~ые ли́стья** игнасимон барглар; **~ые криста́ллы** нинасимон учли кристаллар.

ИГО́РНЫЙ, -ая, -ое қиморга оид; қимор...; **~ дом** қимор ўйналадиган жой, қиморхона.

И́ГРА *ж, мн.* **и́гры** 1 ўйин; ўйнаш; **де́тские и́гры** болалар ўйинлари; **~ в мяч** коптоқ ўйини; коптоқ ўйнаш; **~ в ша́хматы** шахмат ўйини; шахмат ўйнаш; **аза́ртные и́гры** қимор ўйинлари; **спорти́вные и́гры** спорт ўйинлари; 2 жилва, товланиш; ялтираш; **~ све́та** нур (ёруғлик) жилвалари; 3 жимирлаш, вижиллаш, қайнаш, мавж; 4 машқ, чалиш, ижро этиш, ижро (чолғу асбобларида); **~ на скри́пке** скрипка чалиш; 5 ижро этиш; ижро, ўйин, ўйнаш (актёрлар, артистлар ҳақида); 6 пинҳоний хатти-ҳаракат, ният, ҳийла, найранг; **полити́ческая ~** сиёсий найранг; ✦ **~ воображе́ния** пуч хаёл, хом хаёл; **~ приро́ды** табиатнинг ҳазили, ғалати (ғаройиб) нарса, ҳодиса, камдан-кам учрайдиган ҳол; **~ слов** сўз ўйини; **биржева́я ~** биржа ўйини, биржадаги чайқовчилик; **~ с огнём** ўт билан ўйнашиш; **игра́ть (или вести́) большу́ю игру́** оқибати номаълум катта ишга қўл урмоқ; **~ не сто́ит све́ч** овора бўлишга арзимайди, арзимайдиган иш.

ИГРА́ЛЬНЫ/Й, -ая, -ое ўйинга оид; ўйналадиган; ўйин...; **~е ка́рты** ўйналадиган карта; ўйин картаси.

ИГРА́Н/ЫЙ, -ая, -ое ўйналган, ўйинда ишлатилган, тутилган; **~ая коло́да карт** ўйинда ишлатилган (тутилган) карта.

ИГРА/ТЬ *несов.* 1 ўйнамоқ; **де́ти ~ют во дворе́** болалар ҳовлида ўйнаяптилар; 2 (*сов.* **сыгра́ть**) *во что* и *на чём* ўйнамоқ, шуғулланмоқ; **~ть в футбо́л** футбол ўйнамоқ; 3 (*сов.* **сыгра́ть**) *чем* ўйнамоқ; юрмоқ, сурмоқ; **~ть ферзём** фарзинни юрмоқ; 4 *перен. во что* ўйнашмоқ; ҳазиллашмоқ, эрмакка шуғулланмоқ; 5 ўйноқиламоқ, ўйнамоқ; **ры́ба ~ет** балиқ сувда ўйнайди; балиқ сувда ўйноқилаб сузиб юрипти; 6 мавж урмоқ, тўлқинланмоқ; **во́лны ~ют** тўлқинлар мавж (уряпти); 7 жимирламоқ, жимилламоқ, вижилламоқ; **вино́ ~ет в стака́не** вино стаканда жимиллаб турибди; 8 *на чём, в чём* и *без доп.* товланмоқ, жилваланмоқ, жилва қилмоқ; **со́лнце ~ет на пове́рхности воды́** қуёш сув юзида жилваланмоқда; **бриллиа́нт ~ет** бриллиант товланиб турибди; **улы́бка ~ла на её лице́** у кулимсираб турарди; унинг юзида табассум жилваланарди; 9 *на чём* и *без доп.* чалмоқ, ижро этмоқ; **~ть на роя́ле** рояль чалмоқ; 10 (*сов.* **сыгра́ть**) *кого-что* ўйнамоқ, ижро этмоқ, бажармоқ; иштирок этмоқ; қатнашмоқ; қўймоқ; **~ть в теа́тре** театрда роль ўйнамоқ (ижро этмоқ); **~ть роль Оте́лло** Отелло ролини ўйнамоқ; **~ть пье́су** пьесани қўймоқ; 11 чалмоқ, чалинмоқ; куй (садо) таратмоқ; **ра́дио ~ет** радио гапиряпти; **му́зыка ~ет** музика чалиняпти; 12 *перен. кем-чем, с кем-чем* ўйнашмоқ, ўйинчоқ қилмоқ; енгил (юзаки) қарамоқ; қалтис (хавфли) ҳаракат қилмоқ; **~ть с огнём** ўт билан ўйнашмоқ; **~ть свое́й жи́знью** ўз ҳаётини хавф остига қўймоқ; **~ть людьми́** одамлар билан ўйнашмоқ, одамларни ўйинчоқ қилмоқ («қўғирчоқ» қилиб ўйнатмоқ); ✦ **~ть коме́дию** муғомбирлик қилмоқ, ўзини бирор кийга (ҳолатга) солмоқ; **~ть пе́рвую скри́пку** бирор ишда асосий роль ўйнамоқ, бош бўлмоқ; **~ть на не́рвах** жаҳлини чиқармоқ, асабига (жиғига) тегмоқ; **~ть на́ руку** *кому* қўл келмоқ; **~ть сва́дьбу** *прост.* тўй қилмоқ; **~ть в молча́нку** жим (дим) ўйнамоқ, чурқ этмасдан ўтирмоқ, мум тишлаб ўтирмоқ; **~ть в откры́тую** 1) очиқчасига иш қилмоқ; 2) *перен.* таваккалига иш тутмоқ; **~ть на би́рже** биржада чайқовчилик қилмоқ; **~ть глаза́ми** кўзни ўйнатмоқ; кўз сузмоқ; **~ть в пря́тки** (или **в жму́рки**) 1) бекинмачоқ ўйнамоқ; 2) яширмоқ, сир сақламоқ; **~ть слова́ми** 1) сўз ўйини (қочириқ гаплар) қилмоқ; 2) гаплар билан хаспўшламоқ, ҳақиқатни яширмоқ, кўзбўямачилик қилмоқ.

ИГРА/ТЬСЯ *несов.* 1 қўйилмоқ, бажарилмоқ, ижро этилмоқ, ўйналмоқ (саҳнада); 2 *безл. разг.* ўйналмоқ, яхши бўлмоқ (ўйин ҳақида); **мне сего́дня не ~ется** бугун ўйинга ҳушим (ҳафсалам) йўқ, ўйнагим келмаяпти, бугун ўйининм яхши бўлмаяпти; 3 *обл.* ўйнамоқ, ўйнашмоқ; **О́коло огра́ды [це́ркви] хло́пцы ~ются** (Шолохов) Черков тўсиқлари олдида йигитлар ўйнашяпти.

ИГРА́ЮЧИ *разг.* 1 *деепр. от* **игра́ть**; 2 *нареч.* осонлик билан, қийналмасдан, ўйнаб-ўйнаб, осонгина; **~ вы́полнить тру́дное зада́ние** қийин вазифани осонлик билан (қийналмасдан) бажармоқ.

ИГРЕ́К *м* игрек (1 латин алифбосининг охиргидан олдинги ҳарфи; математикада номаълум ёки ўзгарувчан миқдорни белгилаш учун қўлланилади; 2 номаълум киши).

ИГРЕ́НЕВ/ЫЙ, -ая, -ое думи ва ёли оч сариш (ёки оқ) жийрон (от ҳақида).

ИГРЕ́Ц *м. уст.* музикачи, созанда; **(и) швец, и жнец, и в дуду́** ~ *погов.* ҳам тикувчи, ҳам ўроқчи, ҳам сурнайчи (эпчил, уддабурон одам ҳақида).

ИГРИВ/ЫЙ, -ая, -ое 1 шўх, ўйноқи; **~ый котёнок** ўйноқи мушукча; 2 хушчақчақ, шўх, ўйноқи, енгилтак; **~ое настрое́ние** хушчақчақ кайфият; 3 ишвали, нозли, қичиқ; **~ая улы́бка** ноз-ишвали табассум.

ИГРИ́СТ/ЫЙ, -ая, -ое кўпикланадиган, қайнаб (вижиллаб) турадиган, жилвали; **~ое вино́** вижиллаб турадиган вино.

ИГРИ́ЩЕ *с уст.* ёшларнинг биргаликдаги ўйин-кулгиси.

ИГРОВ/О́Й, -а́я, -о́е ўйинга оид; ўйин учун белгиланган; **~ы́е пе́сни** ўйнаб айтиладиган ашулалар; **де́тская ~а́я площа́дка** болалар ўйнайдиган майдонча; **~о́й фильм** актёрлар ўйнаган (актёрлар иштирокида олинган) фильм, бадиий фильм.

ИГРО́К *м, р.* **-а́** 1 ўйинчи, ўйинда қатнашувчи; **~ в волейбо́л** волейбол ўйновчи (ўйинчиси); 2 қиморбоз, қимор ўйновчи; **завзя́тый ~** ашадди қиморбоз; 3 *уст. разг.* музикачи; созанда; ✦ **биржево́й ~** биржа чайқовчиси.

ИГРОТЕ́КА *ж* игротека, ўйинхона; **шко́льная ~** мактаб игротекаси.

ИГРУ́Н *м, р.* **-а́** *разг.* ўйинқароқ, ўйноқи; шўх; **котёнок-~** ўйноқи мушукча.

ИГРУ́НЬЯ *ж, р. мн.* **-ний** *разг.* ўйинқароқ, ўйноқи, шўх.

ИГРУ́ШЕЧКА *ж, р. мн.* **-чек** *уменьш.-ласк. от* **игру́шка** 1 кичкина ўйинчоқ; **до́мик-~** қўғирчоқдай кичкина уйча; ✦ **как (сло́вно)** ~*то же, что* **как игру́шка.**

ИГРУ́ШЕЧНИК *м* ўйинчоқ ясовчи уста.

ИГРУ́ШЕЧН/ЫЙ, -ая, -ое 1 ўйинчоққа оид; ўйинчоқ...; **~ый магази́н** ўйинчоқ магазини; 2 ёлғондакам, ўйинчоқ; **~ая са́бля** ўйинчоқ қилич; 3 *разг.* қўғирчоқдай бежирим,

www.ziyouz.com kutubxonasi

кичкина, жажжи, митти; **~ый до́мик** кичкина уйча, жажжи уй.

ИГРУШК/А *ж, р. мн.* **-шек** 1 ўйинчоқ; **де́тские ~и** болалар ўйинчоқлари; 2 *перен. разг.* эрмак, ўйинчоқ; **~у сде́лать** *из чего-л.* эрмакка айлантирмоқ; 3 *перен.* бировнинг измидаги одам, қўғирчоқ, ўйинчоқ; **быть ~ой** *в чьих-л.* **рука́х** бировнинг қўлида қўғирчоқ (ўйинчоқ) бўлмоқ, бировнинг измида бўлмоқ; ✦ **как (сло́вно) ~а** қўғирчоқдай, чақмоқдай, бежирим.

ИГУМЕН *м* игумен (эрлар монастрининг бошлиғи).

ИГУМЕНСКИЙ, -ая, -ое игуменга оид; игумен...

ИГУМЕНЬЯ *ж, р. мн.* **-ний** игуменья (аёллар монастирининг бошлиғи).

ИДА́ЛЬГО *м нескл. то же, что* **гида́льго**.

ИДЕАЛ *м* 1 идеал, олий мақсад, юксак орзу; **высо́кие ~ы коммуни́зма** коммунизмнинг юксак идеаллари; 2 *чего и чей книжн.* энг юксак (баркамол, мукаммал) намуна, тимсол; **~ красоты́** гўзаллик намунаси (тимсоли); **~ доброты́** сахийлик намунаси (тимсоли); **э́тот челове́к — мой ~** бу киши менинг идеалим (менинг дидимдаги идеал инсон).

ИДЕАЛИЗАЦИЯ *ж* идеаллаштириш.

ИДЕАЛИЗИРОВАТЬ *сов.* и *несов. кого-что* идеаллаштирмоқ (бирор нарса, воқеа, ҳодиса ёки одамни идеал даражасига кўтармоқ; аслидагидан юқори кўтариб, бекамикўст, яхши, бенуқсон қилиб кўрсатмоқ); **~ про́шлое** ўтмишни идеаллаштирмоқ.

ИДЕАЛИ́ЗМ *м* 1 *филос.* идеализм (бутун борлиқнинг негизи материя эмас, балки онг, идея, руҳ деб билувчи, онгнинг, идеянинг материя маҳсули эканлигини, иккиламчилигини инкор этувчи реакцион фалсафий оқим); **субъекти́вный ~** субъектив идеализм; **объекти́вный ~** объектив идеализм; 2 воқеликни идеаллаштиришга мойиллик; 3 юксак ахлоқий идеалларга тарафдорлик, содиқлик.

ИДЕАЛИ́СТ *м* 1 идеалист (идеалистик философия тарафдори); 2 *уст.* воқеликни идеаллаштирувчи одам, хаёлпараст; 3 юксак ахлоқий идеалларга амал қилувчи одам.

ИДЕАЛИСТИ́ЧЕСК/ИЙ, -ая, -ое идеализмга оид, идеалистик, идеализмга асосланган, идеализм руҳидаги; **~ая филосо́фия** идеалистик философия; **~ое понима́ние исто́рии** тарихни идеалистик (идеализм руҳида, идеализм нуқтаи назаридан) тушуниш.

ИДЕАЛИ́СТИЧНЫЙ, -ая, -ое; -чен, -чна идеализм руҳи билан суғорилган, идеализм руҳидаги.

ИДЕАЛИ́СТКА *ж, р. мн.* **-ток** *см.* **идеали́ст**.

ИДЕА́ЛЬНО *нареч.* 1 жуда соз, жуда яхши, аъло даражада; **~ петь** жуда яхши ашула айтмоқ; 2 *разг.* жуда ҳам, ниҳоят даражада, ғоят; **~ ро́вная пове́рхность** жуда текис юза.

ИДЕА́ЛЬНОСТЬ *ж* идеаллик, ҳар жиҳатдан бекамикўстлик.

ИДЕА́ЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое; -лен, -льна 1 идеал даражасидаги, идеал, юксак; **~ая любо́вь** идеал севги, юксак муҳаббат; 2 *разг.* ҳар жиҳатдан яхши, беками-кўст, бенуқсон, баркамол, кўнгилдагидек; **~ый рабо́тник** бенуқсон ходим; **~ые кварти́рные усло́вия** беками-кўст уй шароитлари.

ИДЕ́ЙКА *ж, р. мн.* **идеек** *уничт. от* **идея** 1.

ИДЕЙНО-ПОЛИТИЧЕСК/ИЙ, -ая, -ое ғоявий-сиёсий; **~ое воспита́ние масс** оммани ғоявий-сиёсий жиҳатдан тарбиялаш.

ИДЕ́ЙНОСТЬ *ж* ғоявий юксаклик (пухталик), ғоявийлик, илғор ғоялар билан суғорилганлик; **~ рома́на** романнинг ғоявийлиги; **~ иску́сства** санъатнинг ғоявийлиги.

ИДЕЙН/ЫЙ, -ая, -ое; идеен, идейна 1 ғоявий, идеологик; **~ое руково́дство** ғоявий раҳбарлик; **~ая борьба́** ғоявий (идеологик кураш; 2 ғоявий, асосий ғоясини, мазмунини ифодалайдиган; 3 илғор ғояларни илгари сурувчи, ғоявий жиҳатдан юксак (пухта), ғоявий; **~ое иску́сство** ғоявий санъат; **~ая пье́са** ғоявий пьеса; 4 мустаҳкам ғояли, мақсад ва маслакли; **~ый челове́к** мустаҳкам ғояли одам.

ИДЕНТИФИКА́ЦИЯ *ж книжн.* идентификация, идентификациялаш, айнан ўхшатиш, тенглаштириш, бирдай қилиш.

ИДЕНТИФИЦИРОВАТЬ *сов.* и *несов. что книжн.* идентификациялаш, айнан тенглаштирмоқ, бирдай қилмоқ.

ИДЕНТИФИЦИРОВАТЬСЯ, -руется *книжн.* 1 *сов. и несов.* айнан ўхшамоқ, тенглашмоқ, бирдай бўлмоқ; 2 *несов. страд. от* **идентифици́ровать**.

ИДЕНТИ́ЧНОСТЬ *ж книжн.* айнан ўхшашлик, бирдайлик, тенглик, бир хиллик; **~ экземпля́ров ру́кописи** қўл ёзма нусхаларининг айнан ўхшашлиги, бир хиллиги; **~ мне́ний** фикрларнинг ўхшашлиги.

ИДЕНТИ́ЧНЫЙ, -ая, -ое; -чен, -чна айнан ўхшаш, тенг, бир хил, бирдай.

ИДЕОГРА́ММА *ж лингв.* идеограмма (бутун сўз ёки тушунча ифодаловчи ёзув белгиси).

ИДЕОГРАФИЧЕСК/ИЙ, -ая, -ое *лингв.* идеограмма асосидаги, идеографик; **~ое письмо́** идеографик (идеограмма асосидаги) ёзув.

ИДЕОГРА́ФИЯ *ж лингв.* идеография (идеограмма асосидаги ёзув).

ИДЕО́ЛОГ *м* идеолог (бирор синф, ижтимоий-сиёсий тузум ёки оқим идеологиясининг ифодачиси, ҳимоячиси ёки раҳнамоси); **~и революцио́нного пролетариа́та** революцион пролетариат идеологлари.

ИДЕОЛО́ГИЧЕСК/ИЙ, -ая, -ое идеологияга оид; идеологик, ғоявий; **~ая борьба́** ғоявий кураш; **рабо́тники ~ого фро́нта** идеология фронти ходимлари.

ИДЕОЛО́ГИЯ *ж* идеология, мафкура (муайян бир синф, ижтимоий группа ва ш. к.нинг сиёсий, ҳуқуқий, фалсафий, диний-ахлоқий қарашларида ўз аксини топган дунёқараш системаси); **маркси́стско-ле́нинская ~** марксча-ленинча идеология; **буржуа́зная ~** буржуа идеологияси.

ИДЕ́Я *ж* 1 идея (объектив борлиқни, воқеликни киши онгида акс эттирувчи, айни замонда кишининг объектив борлиққа, воқеликка муносабатини ифодаловчи, кишиларнинг дунёқарашлари асосини ташкил этувчи тушунча, тасаввур); 2 ғоя, мафкура (дунёқараш системаси ва унинг асосий принциплари); **полити́ческие ~и** сиёсий ғоялар; **передовы́е ~и** илғор ғоялар; 3 асосий фикр, мақсад, ғоя; **~я рома́на** романнинг асосий ғояси; **по ~е** идея бўйича, асл мақсадига кўра; 4 фикр, ўй, мақсад, ният; план, режа; **пода́ть ~ю** фикр бермоқ; 5 *чего книжн.* тушунча, образ; **~я добра́** сахийлик тушунчаси; 6 асосий ғоя, тузилиш принципи.

ИДИЛЛИЧЕСК/ИЙ, -ая, -ое 1 *лит.* идиллияга оид; идиллия...; **~ий жанр** идиллия жанри; 2 *перен.* тинч, осойишта; роҳат — фароғатдаги; **~ое сча́стье** тинч, осойишта бахт.

ИДИЛЛИ́ЧНЫЙ, -ая, -ое *то же, что* **идилли́ческий** 2.

ИДИ́ЛЛИЯ *ж* 1 *лит.* идиллия (табиат қучоғидаги тинч ва осойишта ҳаётни тасвирловчи кичик шеърий асар); 2 *перен. ирон.* тинч ва осойишта ҳаёт, роҳат ва фароғат.

ИДИО́МА *ж лингв.* идиома (маъноси ўз таркибидаги сўзларнинг маъноларига боғлиқ бўлмаган, яхлит ҳолда бир маъно берувчи ихчам ибора).

ИДИОМАТИЗМ *м то же, что* **идио́ма**.

ИДИОМА́ТИКА *ж лингв.* идиоматика (1 тилшуносликнинг идиомалар тўғрисидаги бўлими; 2 *собир.* бирор тилнинг идиомалари мажмуи); **ру́сская ~** рус идиоматикаси.

ИДИОМАТИЧЕСК/ИЙ, -ая, -ое *лингв.* идиомага ва идиоматикага оид; идиоматик...; **~ое выраже́ние** идиоматик ибора.

ИДИОСИНКРА́ЗИЯ *ж мед.* идиосинкразия (организмнинг баъзи нарсалар таъсирини кўтара олмаслиги, ёқтирмаслиги); **~ к хини́ну** хининни кўтара олмаслик (ёқтирмаслик), хининдан кўнгил айниш.

ИДИ́ОТ *м* 1 *мед.* идиот, эси паст одам, овсар; 2 *разг. бран,* аҳмоқ, тентак.

ИДИОТИ́ЗМ I *м* 1 *мед.* идиотизм, эси пастлик, овсарлик; 2 *разг.* аҳмоқлик, тентаклик; аҳмоқона иш, хатти-ҳаракат.

ИДИОТИ́ЗМ II *м лингв. уст. то же, что* **идио́ма**.

ИДИОТИ́ЧЕСКИЙ, -ая, -ое *то же, что* **идио́тский**.

ИДИОТИ́Я *ж то же, что* **идиоти́зм**.

ИДИО́ТКА *ж, р. мн.* **-ток** *см.* **идио́т**.

ИДИОТСК/ИЙ, -ая, -ое 1 эси паст (овсар) одамларга оид, хос; овсарнамо; **~ое выраже́ние лица́** овсарнамо кўриниш; 2 *разг.* аҳмоқона, аҳмоқларча, бемаъни; **~ая мысль** аҳмоқона фикр.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ИДИО́ТСТВО *с разг.* аҳмоқлик, тентаклик; аҳмоқона иш, хатти-ҳаракат.

ИДИШ *м нескл.* идиш (Европа, Америка, Жанубий Африка ва Исроилда яшовчи бир қисм яҳудийлар тили).

ИДОЛ *м* 1 бут, санам; **деревя́нный ~** ёғоч бут; 2 *уст.* эркатой, арзанда, саждагоҳ; **Не́лли была́ ~ом у всех в э́том до́ме** (Достоевский). Бу хонадонда Нелли ҳамманинг эркатойи (арзандаси) эди. (Бу уйда ҳамма Неллига сажда қилар эди); 3 *перен. разг. бран.* ҳафтафаҳм, қовоқбош, аҳмоқ, тентак; ✦ **стоя́ть (или сиде́ть) ~ом** қаққайиб (серрайиб) турмоқ, қоққан қозиқдай турмоқ.

ИДОЛОПОКЛО́ННИК *м* бутпараст.

ИДОЛОПОКЛО́ННИЧЕСКИЙ, -ая, -ое бутпарастликка ва бутпарастларга оид; бутпарастлик...; бутпарастлар...

ИДОЛОПОКЛО́ННИЧЕСТВО *с то же, что* **идолопокло́нство.**

ИДОЛОПОКЛО́НСТВО *с* бутпарастлик.

ИДО́ЛЬСКИЙ, -ая -ое бутга, санамга оид; бут...; санам...

ИДТИ́, иду́, идёшь; шёл, шла́; ше́дший; идя́ и *разг.* **и́дучи** *несов.* 1 юрмоқ, кетмоқ, келмоқ, бормоқ, ҳаракат қилмоқ; **~ пешко́м** пиёда юрмоқ (бормоқ); **~ ша́гом** қадам ташлаб юрмоқ (бормоқ); **~ в шко́лу** мактабга бормоқ; **~ из шко́лы** мактабдан келмоқ; **конь шёл ры́сью** от йўрғалаб борарди; **мы шли ря́дом** биз ёнма-ён борар эдик; **солда́ты шли по доро́ге** солдатлар йўлдан борарди; **~ ле́сом** ўрмон бўйлаб (ўрмон ичидан, ўрмон билан) бормоқ; 2 йўл олмоқ, қараб (томон) кетмоқ (бормоқ); **по́езд идёт на Восто́к** поезд Шарққа қараб йўл олди, поезд Шарққа қараб боряпти; 3 жўнамоқ, кетмоқ, юрмоқ, бормоқ; чиқмоқ; **~ гуля́ть** айлангани (ўйнагани) бормоқ; **~ на охо́ту** овга чиқмоқ; **по́езд идёт че́рез час** поезд бир соатдан кейин жўнайди; 4 *перен.* бирор йўлдан бормоқ, маълум бир мақсад сари интилмоқ, ҳаракат қилмоқ; **на́ша страна́ идёт к комму́низму** мамлакатимиз коммунизм сари бормоқда; **упо́рно ~ к наме́ченной це́ли** кўзланган мақсадга астойдил интилмоқ; **~ по пути́ техни́ческого прогре́сса** техника тараққиёти йўлидан бормоқ; 5 *на что* или *против кого-чего* кўнмоқ, унамоқ, юрмоқ; рози бўлмоқ, қабул этмоқ; қарши бормоқ; **~ на компроми́сс** келишмоқ; **он на э́то не идёт** у бунга рози бўлмайди (юрмайди, кўнмайди, унамайди); **~ на разры́в** алоқани узмоқ; **они́ иду́т на на́ши усло́вия** улар бизнинг шартларимизга рози бўладилар; **~ на врага́** душманга қарши юриш қилмоқ; 6 *перен.* кирмоқ, бўлмоқ, бормоқ, кетмоқ; **~ в солда́ты** солдатликка бормоқ (кетмоқ); **молодёжь идёт в нау́ку** ёшлар илмга интилмоқда (илм сари бормоқда); **~ учи́ться на инжене́ра** инженерликка ўқимоқ; 7 *за кем-чем* изидан бормоқ, орқасидан (кетидан) бормоқ, эргашмоқ; **~ за свои́м учи́телем** ўқитувчисининг изидан бормоқ; 8 келмоқ, бормоқ, ташилмоқ; **пи́сьма иду́т бы́стро** хатлар тез келади; **докуме́нты иду́т на по́дпись к дире́ктору** ҳужжатлар имзо чекиш учун директорга боради (берилади); **чай идёт с Кавка́за** чой Кавказдан келади; **гру́зы иду́т по реке́** юклар дарё йўли билан ташилади; 9 яқинлашиб қолмоқ; кўринмоқ, келмоқ; **идёт весна́** баҳор келяпти; **сон не идёт** уйқу келмаяпти; 10 ишламоқ, юрмоқ, ҳаракат қилмоқ; **часы́ иду́т то́чно** соат яхши (аниқ) юряпти; 11 ёғмоқ; **идёт снег** қор ёғмоқда; **дождь идёт** ёмғир ёғаяпти; 12 ўтмоқ, кечмоқ, бормоқ, давом этмоқ; **дела́ иду́т успе́шно** ишлар муваффақиятли боряпти (давом этаяпти); **де́ло идёт к концу́** иш охирлаб (тугай деб) қолди; **ребёнку идёт второ́й год** бола икки ёшга қараб кетди; **жизнь идёт** ҳаёт давом этяпти; **шли го́ды** йиллар ўтиб борарди; **вре́мя идёт бы́стро** вақт тез ўтаяпти; **шёл пя́тый час** соат бешлар эди; **в шко́ле иду́т экза́мены** мактабда имтиҳонлар давом этмоқда; **де́ло идёт к развя́зке** иш ҳал бўлай деб қолди; 13 чўзилмоқ, орқали (кесиб) ўтмоқ; **доро́га идёт ле́сом** йўл ўрмондан (ўрмон орқали) ўтади; 14 чиқмоқ, тарқалмоқ, ёйилмоқ, оқмоқ; оқиб чиқмоқ, оқиб келмоқ; **из ра́ны идёт кровь** яradan қон оқмоқда; **лёд идёт по реке́** дарёда муз (шовуш) келяпти; 15 *чем* и *с чего* юрмоқ, сурмоқ, ташламоқ; **~ пе́шкой** пиёдани юрмоқ (сурмоқ); **~ с туза́** юришни туздан бошламоқ, тузни ташламоқ; 16 кетмоқ, сарф бўлмоқ, керак бўлмоқ, ишлатилмоқ; **ско́лько мете́ров материа́ла идёт на костю́м?** костюмга неча метр материал кетади?; 17 кетмоқ, ўтмоқ, сотилмоқ (мол, товар ҳақида); **това́р хорошо́ идёт** мол яхши ўтяпти (кетяпти, сотиляпти); 18 *перен. прост.* тегиш бўлмоқ, берилмоқ; **за сверхуро́чную рабо́ту идёт надба́вка** ошиқча иш учун қўшимча ҳақ тўланади; 19 *кому-чему* и *к кому-чему* мос (тўғри) келмоқ, тааллуқли бўлмоқ; **э́ти разгово́ры к де́лу не иду́т** бу гаплар ишга тааллуқли эмас; 20 *во что* и *на что разг.* ўтмоқ, кирмоқ; сиғмоқ; **гвоздь легко́ идёт в до́ску** мих тахтага осонгина киради (кираяпти); **сапо́г не идёт на но́гу** этик оёққа сиғмаяпти; 21 *кому-чему* и *к кому* ярашмоқ, муносиб бўлмоқ, ўтиришмоқ, ёпишиб тушмоқ; **э́та шля́па тебе́ не идёт** бу шляпа сенга ярашмайди; 22 *во что* ўсмоқ, ривожланмоқ; **карто́фель идёт в бо́тву** картошка ғовлаб кетяпти; **~ в рост** бўйига ўсмоқ; ғовлаб кетмоқ; 23 ўйналмоқ, қўйилмоқ; **в на́шем теа́тре идёт но́вая пье́са** бизнинг театримизда янги пьеса қўйиляпти; **э́тот фильм идёт во всех кинотеа́трах го́рода** бу фильм шаҳарнинг ҳамма кинотеатрларида қўйиляпти (кетяпти); 24 алданмоқ; келмоқ; **о́кунь идёт на червяка́** окунь чувалчангга алданади; 25 баъзи отлар билан «берилмоқ», «кетмоқ», «ишлатилмоқ», «қилинмоқ» каби маъноларни билдиради; **~ в чи́стку** тозалашга берилмоқ (юборилмоқ); **~ в перерабо́тку** қайта ишлашга кетмоқ; **~ в лом** темир-терсакка чиқмоқ; **~ в прода́жу** сотилмоқ, сотувга чиқмоқ; 26 баъзи отлар билан иш-ҳаракатнинг бошланишини билдиради; **~ на у́быль** камая (пасая) бошламоқ; **~ на сниже́ние** пасая бошламоқ; пасаймоқ; **самолёт идёт на сниже́ние** самолёт пастлай бошлади; ✦ **идёт** *прост.* хўп, майли, розиман, бўпти, бўлади; **пообе́даем?— Идёт** овқатланамизми?— Бўпти; **~ на сме́ну** *кому-чему* ўрнини босмоқ (эгалламоқ); **не ~ да́льше** *чего* тўхтаб қолмоқ, ...дан нари ўтмаслик; **из голово́ы** (или **из ума́**) **не ~** хаёлдан (миядан) кетмаяпти; **на ум** (или **в го́лову**) **не идёт** *кому что* хаёлга келмаяпти, мияга сиғмаяпти; **де́ло** (или **речь**) **идёт** *о ком-чём* иш (ёки гап)... ҳақида бормоқда; **не ~ в счёт** эътиборга (ҳисобга) олинмаслик, ҳисобланмаслик; **куда́ ни шло** *разг.* майли эди-я; нима бўлса бўлсин.

ИЕЗУИ́Т *м* 1 иезуит (реакцион католик монахлар ташкилотининг аъзоси); 2 *перен.* иккиюзлама одам, маккор, мунофиқ, доғули.

ИЕЗУИ́ТСКИЙ, -ая, -ое 1 иезуитларга оид, хос; иезуитлар...; 2 *перен.* иккиюзлама, маккорона, мунофиқона, доғули.

ИЕЗУИ́ТСТВО *с* иккиюзламалик, маккорлик, мунофиқлик.

ИЕ́НА *ж* иена (Японияда пул бирлиги).

ИЕРА́РХ *м церк.* иерарх (бош руҳоний, епископ).

ИЕРА́РХИЧЕСК/ИЙ, -ая, -ое иерархияга асосланган; **~ая ле́стница** иерархия босқичлари.

ИЕРА́РХИЯ *ж книжн.* иерархия (қуйи мансабдорларнинг юқори мансабдорларга босқичма-босқич бўйсуниши).

ИЕРА́ТИЧЕСК/ИЙ: ~ое письмо́ иератик ёзув (қадимги мисрликларнинг иероглифларга асосланган стенографик ёзуви).

ИЕРЕ́Й *м церк. то же, что* **свяще́нник.**

ИЕРИХО́НСК/ИЙ: ~ая труба́ *разг. шутл.* жуда қатиқ овоз, карнай.

ИЕРО́ГЛИФ *м* 1 иероглиф (бутун бир тушунчани, бўғинни ёки товушни билдирадиган тасвирли белги); **кита́йский ~** хитой (ёзувининг) иероглифи; 2 *мн.* **~ы** иероглиф (тушунилиши қийин ёзув).

ИЕРОГЛИФИ́ЧЕСК/ИЙ, -ая, -ое иероглиф асосидаги; иероглиф...; **~ое письмо́** иероглиф асосидаги ёзув; иероглиф хат.

ИЕРОМОНА́Х *м* иеромонах (руҳонийлик рутбасини олган монах).

ИЖДИВЕ́Н/ЕЦ *м, р.* **-нца** бировнинг қарамоғида бўлган одам, боқим, нонхўр; **у него́ два ~ца** унинг қарамоғида икки киши (жон) бор; **быть ~цем** қарамоғида бўлмоқ, боқим бўлмоқ.

ИЖДИВЕ́НИ/Е *с* 1 *уст.* пул, маблағ; **Каза́нский магистра́т та́кже вооружи́л на своё ~е оди́н эскадро́н гуса́р** (Пушкин) Қозон магистрати ҳам ўз маблағидан (ҳисобидан) битта гусарлар эскадронини қуроллантирди; 2 қарамоқ; боқим; **взять на своё ~е** ўз қарамоғига олмоқ; **быть**

www.ziyouz.com kutubxonasi

на ~и қарамоғида бўлмоқ, боқим бўлмоқ; **он на ~и у сы́на** у ўғлининг қарамоғида.

ИЖДИВЕ́НКА *ж, р. мн.* **-нок** *см.* **иждиве́нец.**

ИЖДИВЕ́НСТВ/О *с* қарамоғида бўлиш, қарамлик, қарамоғидалик; **спра́вка об ~е** кимсанинг қарамоғида эканлиги ҳақидаги справка.

ИЖДИВЕ́НЧЕСКИ/Й, -ая, -ое бировнинг қарамоғида бўлган (тайёрга ўрганган) одамларга оид, хос; **~е настрое́ния** тайёрга айёрлик кайфияти.

ИЖДИВЕ́НЧЕСТВО *с* текин еб ётиш, тайёрга айёрлик.

ИЖЕ: и ~ с ни́м (с ни́ми) *книжн. уст. ирон.* у билан бирга бўлганлар, унинг шериклари, маслакдошлари.

ИЖИЦ/А *ж* ижица (черков-славян алфавитида «и» товушини ифодаловчи охирги ҳарф номи); ✦ **прописа́ть ~у** *кому уст. шутл.* адабини бермоқ, танбеҳ бериб қўймоқ.

ИЗ и **ИЗО** *предлог с р.* 1 иш-ҳаракатнинг бирор ердан, нарсадан ёки бирор нарса ичидан бошланишини, чиқишини билдиради: -дан; **вы́йти из ко́мнаты** уйдан чиқмоқ; **доста́ть из карма́на** чўнтакдан олмоқ; **привезти́ из дере́вни** қишлоқдан олиб келмоқ; **река́ вы́шла из берего́в** дарё тошди (қирғоқлардан чиқиб кетди); **стрельба́ из лу́ка** камондан отиш; 2 сиradан, бир бутунликдан биттасини ажратиб кўрсатиш учун қўлланилади: -дан, -нинг, ... орасида, ичида; **лу́чший из всех** ҳаммасидан яхшиси; **мла́дший из бра́тьев** ака-укаларнинг (ака-укалардан, ака-укалар орасида) энг кичиги; **одно́ из двух** иккисидан бири; **чу́до из чудес** мўъжизалар мўъжизаси, мўъжизалар орасида энг ажойиб мўъжиза; **дура́к из дурако́в** аҳмоқларнинг аҳмоғи; 3 бирор ҳолатдан (кайфият, аҳвол ва ҳ. к. дан) чиқишни ифодалайди; -дан; **вы́биться из сил** кучдан қолмоқ, силласи қуримоқ; **вы́йти из терпе́ния** сабр-тоқати тугамоқ; тоқати тоқ бўлмоқ; 4 манбани билдиради: -дан; **отры́вок из рома́на** романдан парча; **вы́писка из исто́рии боле́зни** касаллик варақасидан кўчирма; **узна́ть из газе́т** газеталардан (ўқиб) билмоқ; 5 қаердан келиб чиққанликни, насл-насаб ва ҳ. к. ни билдиради: **-дан, -лик; челове́к ро́дом из Литвы́** асли (келиб чиқиши) литвалик киши; **он из крестья́н** у асли деҳқонлардан; **чай из Гру́зии** Грузиядан келтирилган чой; 6 бирор нарсанинг нимадан ишланганлигини, составини, материали ва ҳ. к. ни билдиради: -дан; **дом из кирпича́** ғишт уй, ғиштдан қилинган уй; **обе́д из трёх блюд** уч хил овқат; **варе́нье из ви́шен** олча мураббо; **ло́жка из серебра́** кумуш қошиқ; **буке́т из роз** атиргуллардан тузилган гулдаста; 7 ўзгаришни, айланишни, нимадан вужудга келганликни билдиради; **из посёлка возни́к го́род** қишлоқдан шаҳар пайдо бўлди; қишлоқ шаҳарга айланди; **из тебя́ вы́йдет хоро́ший инжене́р** сен яхши инженер бўласан; 8 сабаб, асос, мақсадни билдиради: -дан, боисдан, юзасидан, ...сабабли; **из при́нципа** принцип юзасидан, принцип қилиб; **из за́висти** кўролмасликдан, ичи қораликдан; **из уваже́ния к ста́ршим** катталарга ҳурмат юзасидан; **из любви́ к иску́сству** санъатга бўлган муҳаббат сабабли, санъатни яхши кўрганликдан; 9 баъзи отлар билан равиш ясайди; **изо всей мо́чи** бор кучи билан, кучи борича; **стара́ться из всех сил** кучининг борича (жонжаҳди билан) ҳаракат қилмоқ; 10 такрорланувчи сўзлар билан иш-ҳаракатнинг узлуксизлигини, бир предметдан иккинчисига ўтиб боришини билдиради; **изо дня́ в день** кундан-кун, кун сайин; тинимсиз; **из до́ма в дом** уйдан-уйга, уйма-уй.

ИЗ-, ИЗО-, ИЗЪ-, ИС- *приставка* феъл қўшимчаси бўлиб: 1 иш-ҳаракатнинг бирор ердан, бирор нарса ичидан ташқарига йўналганлигини англатади, мас., **изгна́ть, изве́ргнуть, излуча́ть**; 2 иш-ҳаракатнинг ҳамма нарсага, ҳамма ёққа баравар тарқалишини билдиради, мас., **избега́ть, избороздить, изре́зать**; 3 иш-ҳаракатнинг тугал, охиригача бажарилишини, сўнг даражага етказилишини билдиради; мас., **изжа́рить, израсхо́довать, измуча́ть**; 4 «ся» юкламаси билан ясалган иш-ҳаракатнинг узлуксизлиги, доимий такрорланиши натижасида бирор сифат ёки хусусият касб этиш, ёки аксинча, бирор сифат, хусусият ёки қобилиятни йўқотиш каби маъноларни ифодалайди, мас., **изве́риться, изне́рвничаться, изба́виться.**

ИЗБ/А *ж, вин.* **избу́** и **и́збу,** *мн.* **и́збы** 1 уй, ёғоч уй (қишлоқларда); **не красна́ ~а́ угла́ми, а красна́ пирога́ми** *посл.* уй тўри билан эмас, нони билан азиз; 2 деҳқон уйининг ички хоналари; **подмести́ ~у́** уйни супурмоқ; 3 *какая ист.* маҳкама; қабулхона; **посо́льская ~а́** элчихона маҳкамаси (қабулхонаси); ✦ **выноси́ть сор из ~ы** *см.* **сор.**

ИЗБАВИТЕЛЬ *м* қутқарувчи, халос қилувчи, халоскор, нажоткор.

ИЗБА́ВИТЕЛЬНИЦА *ж см.* **избави́тель.**

ИЗБА́ВИТЕЛЬНЫЙ, -ая, -ое қутқариладиган, халос этиладиган, халоскор.

ИЗБА́ВИТЬ, -влю, -вишь *сов. кого-что, от кого-чего* **1** *(несов.* **избавля́ть)** қутқармоқ, халос (озод) қилмоқ; сақлаб қолмоқ; **~ от сме́рти** ўлимдан қутқармоқ; ўлимдан сақлаб қолмоқ; **~ от хлопо́т** ташвишдан қутқармоқ; оворагарчиликлардан озод қилмоқ; 2 *пов.* **изба́вь(те)** *разг.* тинч қўй(инг)!, ҳоли қил(инг)!; ✦ **изба́ви бог!** худо сақласин (асрасин)!; худо кўрсатмасин!

ИЗБА́ВИТЬСЯ, -влюсь, -вишься *сов. (несов.* **избавля́ться)** *от кого-чего* қутулмоқ; халос (озод) бўлмоқ; **~ от непри́ятностей** кўнгилсизликлардан қутулмоқ; **~ от хлопо́т** оворагарчиликлардан қутулмоқ.

ИЗБАВЛЕ́НИЕ *с по гл.* **изба́вить** и **изба́виться.**

ИЗБАВЛЯ́ТЬ *несов. см.* **изба́вить** 1.

ИЗБАВЛЯ́ТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **изба́виться;** 2 *страд. от* **избавля́ть.**

ИЗБАЛО́ВАННОСТЬ *ж* тантиқлик, инжиқлик, талтайганлик.

ИЗБАЛО́ВАННЫЙ, -ая, -ое 1 *прич. от* **избало́вать;** 2 *в знач. прил.* тантиқ, инжиқ, талтайган, талтайиб кетган; **~ ребёнок** тантиқ (инжиқ) бола, талтайиб кетган бола.

ИЗБАЛОВА́ТЬ, -лу́ю, -лу́ешь *сов. (несов.* **избало́вывать)** *кого-что* эркалатиб (тантиқ қилиб, талтайтириб) юбормоқ, эрка (тантиқ) қилиб ўстирмоқ, суюлтириб юбормоқ; **~ ребёнка** болани эркалатиб (суюлтириб) юбормоқ.

ИЗБАЛОВА́ТЬСЯ, -лу́юсь, -лу́ешься *сов. (несов.* **избало́вываться)** 1 эрка (тантиқ) бўлиб кетмоқ, талтайиб кетмоқ; 2 *разг.* ҳаддан ташқари шўх бўлиб кетмоқ; 3 *прост.* ўзбошимча, ишёқмас бўлиб кетмоқ.

ИЗБАЛО́ВЫВАТЬ *несов. см.* **избало́вать.**

ИЗБАЛО́ВЫВАТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **избало́ваться;** 2 *страд. от* **избало́вывать.**

ИЗБА́Ч *м, р.* **-а́** маданий-оқартув ходими (қишлоқларда); қишлоқ қироатхонасининг бошлиғи.

ИЗБА-ЧИТА́ЛЬНЯ *ж* қишлоқ қироатхонаси.

ИЗБЕГА/ТЬ *сов. разг. что* айланиб (кезиб) чиқмоқ, югуриб-елиб ҳамма ёқда бўлмоқ **он ~л весь го́род в по́исках ну́жной кни́ги** керакли китобни қидириб бутун шаҳарни айланиб чиқди.

ИЗБЕ́ГА/ТЬ *несов.* 1 *см.* **избежа́ть** и **избе́гнуть;** 2 *кого-чего* қочмоқ; ўзини четга олмоқ, ўзини олиб қочмоқ; бўйин товламоқ, чап бермоқ; **~ть опа́сности** хавф-хатарга чап бермоқ; хавфдан қутулмоқ; **~ть знако́мых** танишлардан ўзини четга олмоқ; **он ~ет встре́чи со мной** у мен билан учрашишдан қочиб юрибди, унинг мен билан учрашишга ҳуши йўқ.

ИЗБЕ́ГАТЬСЯ *сов. разг.* югураверіб (югуриб-елиб) чарчамоқ.

ИЗБЕ́ГНУТЬ, -ну, -нешь; избе́г и **избе́гнул, -гла** *сов. то же, что* **избежа́ть.**

ИЗБЕЖА́НИЕ: во ~ *чего книжн.* йўл қўймаслик учун, сақланиш учун, олдини олиш (бўлмаслиги) учун, **во ~ скандала́** жанжал бўлмаслиги учун.

ИЗБЕЖА́ТЬ *сов. (несов.* **избега́ть)** *чего* қочиб қутулмоқ, қутулиб (сақланиб) қолмоқ, чап бериб омон қолмоқ, халос бўлмоқ; **~ сме́рти** ўлимдан омон (қутулиб) қолмоқ; **~ наказа́ния** жазодан қутулиб қолмоқ; **~ неприя́тностей** кўнгилсизликлардан қутулиб қолмоқ.

ИЗБЕ́НКА *ж, р. мн.* **-нок,** *разг. уменьш. унич. от* **изба́.**

ИЗБИВА́ТЬ *несов. см.* **изби́ть.**

ИЗБИЕ́НИЕ *с* **1** *по гл.* **изби́ть 1;** 2 қирғин, ур калтак-сур калтак, қирпичоқ; ✦ **~ младе́нцев** *шутл.* ёшларга (ёш тажрибасиз ходимларга) нисбатан ортиқ талабчанлик, шафқатсизлик.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ИЗБИРАТЕЛ/Ь *м* сайловчи; **спи́сок ~ей** сайловчилар рўйхати.

ИЗБИРАТЕЛЬНИЦА *ж* сайловчи аёл.

ИЗБИРАТЕЛЬНОСТЬ *ж спец.* танлаш (ажратиш) хусусияти, қобилияти; ~ **радиоприёмника** радиоприёмникнинг тўлқинларни танлаб қабул қилиши.

ИЗБИ́РАТЕЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое 1 сайловга оид; сайлов...; **~ая систе́ма** сайлов системаси; **~ый зако́н** сайлов қонуни; **~ая кампа́ния** сайлов кампанияси; **~ое пра́во** сайлов ҳуқуқи; **~ый о́круг** сайлов округи; **~ый бюллете́нь** сайлов бюллетени; 2 *спец.* танлайдиган, ажратадиган; танлаш хусусиятига асосланган; **~ое де́йствие лека́рств** дориларнинг турли организмларга турлича (танлаб) таъсир қилиши.

ИЗБИРА́ТЬ *несов. см.* **избра́ть.**

ИЗБИ́ТОСТЬ *ж* кўп ишлатилганлик, чайналганлик; ишлатилаверив сийқаси чиққанлик; ~ **фраз** иборанинг чайналганлиги (сийқаси чиққанлиги).

ИЗБИ́Т/ЫЙ, -ая, -ое 1 *прич. от* **изби́ть;** 2 *в знач. прил.* кўп юрилган, маълум, таниш, ошна; **~ая доро́га** кўп юрилган йўл; маълум (таниш) йўл; 3 *перен. в знач. прил.* кўп ишлатилган, чайналган, сийқаси чиққан; **~ое выраже́ние** кўп чайналган ибора; **~ая те́ма** сийқаси чиққан мавзу.

ИЗБИ́ТЬ, изобью́, изобьёшь *сов. (несов.* **избива́ть**) 1 *кого-что* урмоқ, калтакламоқ, дўппосламоқ, саваламоқ; 2 *книжн. уст.* қирмоқ, ур калтак-сур калтак қилмоқ, йўқ қилиб юбормоқ; 3 *что разг.* ишдан чиқармоқ, ярамас ҳолга келтирмоқ, абжақ (шалоқ) қилмоқ.

ИЗБОИ́НА *ж с.-х.* и *обл.* кунжара.

ИЗБОЛЕ́ТЬ, -ли́т *сов. прост. то же, что* **изболе́ться.**

ИЗБОЛЕ/ТЬСЯ, -ли́тся *сов. прост.* эзилмоқ, ачимоқ (дил, юрак ҳақида); адо бўлмоқ; **душа́ ~лась** юрагим ачиди, ачиндим; **всё се́рдце ~лось, на тебя́ гля́дя** сенга қарайвериб юрагим адо бўлди, сенинг аҳволингни кўриб юрагим эзилиб кетди.

ИЗБОРОЗДИ́/ТЬ, -зжу́, -зди́шь *сов. что* 1 уйдим-чуқур (ўнқир-чўнқир) қилиб юбормоқ, из қилиб ташламоқ; из (ариқ) қилиб чиқмоқ; **плу́ги ~ли зе́млю** плуглар ерни тарам-тарам ариқ олиб ағдариб чиқди; 2 *перен.* қопламоқ, босмоқ (ажин, чандиқ, бурушиқ ҳақида); **морщи́ны ~ли лоб** пешанасини ажин босиб кетибди; 3 *перен.* ҳамма ёқни кезиб (айланиб) чиқмоқ; **Я ~л мно́го море́й, побыва́л в но́вых места́х, не ви́данных мно́ю ра́ньше** (Новиков-Прибой) Мен кўп денгизларни кезиб чиқдим, илгари кўрмаган жуда кўп янги ерларда бўлдим.

ИЗБОРО́ЗДИТЬСЯ, -ится *сов.* 1 ўйдим-чуқур (ўнқир-чўнқир) бўлиб кетмоқ; 2 ажинлар (бурушиқлар) билан қопланмоқ, бурушмоқ, тиришмоқ.

ИЗБОЧЕ́НИВАТЬСЯ *несов. см.* **избоче́ниться.**

ИЗБОЧЕ́НИТЬСЯ *сов. (несов.* **избоче́ниваться**) *разг.* 1 қўлини биқинига қўйиб (тираб) қийшаймоқ, энгашмоқ; 2 бир ёни чиқиб қийшайиб (ёнбошлаб) қолмоқ, қийшиқ бўлиб кетмоқ.

ИЗБРАНИЕ *с по гл.* **избра́ть; ~ президе́нта** президент сайлаш.

ИЗБРАННИК *м* 1 *высок.* сайланган (сайлаб қўйилган) киши; ~ **наро́да** халқ сайлаган (сайлаб қўйган) киши; 2 *высок.* севгили, маҳбуб; **~се́рдца** севилган киши, қўнгил берилган маҳбуб; **И вот уе́хала она́ С ~ом свои́м** (Н. Некрасов) Мана у энди ўз севгилиси билан кетди; 3 *перен. чего* тақдир (бахт, омад) кулиб боққан киши; ~ **судьбы́** тақдир кулиб боққан киши; ~ **сча́стья** бахт кулиб боққан киши, бахтиёр одам; 4 *высок. уст.* қобилияти, истеъдоди жиҳатидан бошқалардан ажралиб турадиган одам, мумтоз.

ИЗБРА́ННИЦА *ж* 1 *см.* **избра́нник** 1, 3, 4; 2 севгили, маҳбуба, ёр.

ИЗБРА́НН/ЫЙ, -ая, -ое 1 *прич. от* **избра́ть;** 2 *в знач. прил.* танланган, танлаб олинган, сайланма; **~ые сочине́ния А. С. Пу́шкина** А. С. Пушкиннинг танланган асарлари; 3 *в знач. прил.* сара, сараланган; **~ое о́бщество** сараланган жамият, жамиятнинг сараси; **~ый круг друзе́й** сараланган дўстлар давраси; 4 *в знач. сущ.* **~ые** *мн.* имтиёзли, мумтоз (кишилар); **для ~ых** имтиёзли кишилар учун.

ИЗБРА́ТЬ *сов. (несов.* **избира́ть**) *кого-что* 1 танламоқ, сайламоқ, танлаб олмоқ; 2 сайламоқ, сайлаб қўймоқ; ~ **депута́та** депутат сайламоқ; **~коми́ссию** комиссия сайламоқ.

ИЗВЕ́ШКА *ж, р. мн.* **-шек** *уменьш. от* **изба́** 1; ✦ ~ **на ку́рьих но́жках** *см.* **ку́рий.**

ИЗБЫВА́ТЬ *несов. уст. см.* **избы́ть.**

ИЗБЫТ/ОК *м, р.* **-тка** 1 керагидан ортиқ нарса; ортиқ, ортиқча; **~ки хле́ба** ноннинг ортиқчаси; 2 кўплик, мўллик, сероблик; тўқлик, маъмурчилик; **~ок сил** куч-қувватнинг кўплиги; куч-қувватга тўлалик; **от ~ка чувств** ортиқ даражада ҳиссиётга берилиб; севинчи ичига сиғмаганидан; ✦ **в ~ке** мўл-кўл; сероб, ошиб-тошиб ётибди; **хлеб у нас в ~ке** бизда ғалла жуда сероб; **с ~ком** ортиғи (ошиғи) билан; **э́того хва́тит с ~ком** ортиғи билан етади, етиб ортади.

ИЗБЫТОЧН/ЫЙ, -ая, -ое; -чен, -чна керагидан ортиқ, кўп, ортиқча; **~ое пита́ние** керагидан ортиқ овқатланиш (овқатлантириш); **~ый проду́кт** керагидан ортиқ (ортиқча) озиқ-овқат; **~ое увлажне́ние по́чвы** тупроқни ортиқча намга тўйинтириш.

ИЗБЫ́ТЬ, -бу́ду, -бу́дешь *сов. (несов.* **избыва́ть**) *что уст.* и *нар.-поэт.* қутулмоқ, халос бўлмоқ; ~ **го́ре** ғамдан қутулмоқ.

ИЗБЯНО́Й, -а́я, -о́е *прил. от* **изба́** 1 ёғоч уйга оид; **уй...**

ИЗВАЛЯ́ТЬ *сов. кого-что разг.* беламоқ, булғамоқ, булғаб ифлос (кир) қилмоқ (ёки мижғалоқ қилиб юбормоқ); ~ **в грязи́** лойга беламоқ, ҳамма ёғини лой қилмоқ.

ИЗВАЛЯ́ТЬСЯ *сов. разг.* беланмоқ, булғанмоқ, беланиб ҳамма ёғини ифлос (кир) қилмоқ (ёки мижғалоқ қилиб юбормоқ).

ИЗВАЯ́НИЕ *с* ҳайкал, ҳайкалча, тарашлаб ясалган тасвир.

ИЗВАЯ́ТЬ *сов. (несов.* **вая́ть**) ҳайкал ясамоқ, тарашлаб меъморий тасвир ишламоқ.

ИЗВЕ́ДАТЬ *сов. (несов.* **изве́дывать**) *что высок.* кечирмоқ, бошдан ўтказмоқ, кўрмоқ, тотмоқ; ~ **го́ре** бошдан ғамғусса кечирмоқ; ~ **сча́стье** бахтли онларни кўрмоқ; бахт нашидасини тотмоқ.

ИЗВЕ́ДЫВАТЬ *несов. см.* **изве́дать.**

ИЗВЕ́РГ *м* шафқатсиз одам, золим, ёвуз, ваҳший, газанда; **фаши́стские ~и** фашист ваҳшийлари (газандалари).

ИЗВЕРГА́ТЬ *несов. см.* **изве́ргнуть.**

ИЗВЕРГА́ТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **изве́ргнуться;** 2 *страд. от* **изверга́ть.**

ИЗВЕ́РГНУТЬ, -ну, -нешь; -е́рг, -е́ргла *сов. (несов.* **изверга́ть**) *книжн.* 1 *что* отмоқ, отиб чиқармоқ; **вулка́н изве́рг ла́ву** вулкан лава отди (чиқарди); 2 *перен. что* бақириб айтмоқ; оғиздан чиқармоқ, ёғдирмоқ; ~ **прокля́тия** лаънат сўзлари ёғдирмоқ; 3 *перен. кого* суриб чиқармоқ, суриб ташламоқ (орадан, кўпчиликдан); ~ **из свое́й среды́** орадан суриб чиқармоқ, орадан кўтармоқ.

ИЗВЕ́РГ/НУТЬСЯ, -нусь, -нешься; -е́ргся, -е́гласть *сов. (несов.* **изверга́ться**) *книжн.* отилиб чиқмоқ, тошиб чиқмоқ, қайнаб чиқмоқ; **ла́ва ~лась из вулка́на** вулкандан лава отилиб чиқди.

ИЗВЕ́РЖЕНИЕ *с* 1 *по гл.* **изверга́ть — изве́ргнуть;** 2 отилиш, отила бошлаш (вулкан ҳақида); **произошло́ ~ вулка́на** вулкан отила бошлади, вулкандан лава отилиб чиқа бошлади; ~ **Везу́вия** Везувий вулканининг отилиши.

ИЗВЕ́РЖЕННЫ/Й, -ая, -ое 1 *прич. от* **изве́ргнуть;** 2 *в знач. прил.* отилиб чиққан, отилган; **~е го́рные поро́ды** отилиб чиққан тоғ жинслари.

ИЗВЕ́РИВАТЬСЯ *несов. см.* **изве́риться.**

ИЗВЕ́РИТЬСЯ *сов. (несов.* **изве́риваться**) *в ком-чём* или *в кого-что разг.* ишончни (эътимодини) йўқотмоқ, ишонмай қўймоқ, ихлоси қайтмоқ; ~ **в лю́дях** одамларга ишончини йўқотмоқ.

ИЗВЕ́РНУТЬСЯ *сов. (несов.* **извёртываться** и **изворáчиваться**) *разг.* 1 чап бериб қолмоқ, усталик (эпчиллик) билан ўзини олиб қочмоқ, қутулиб кетмоқ; ~ **и положи́ть проти́вника на о́бе лопа́тки** рақибига чап бериб (рақиб ҳамласидан қутулиб) уни иккала курагига ағдармоқ; 2 *перен.* чора (илож) топмоқ, йўлини (иложини) топиб мушкулдан қутулмоқ (чиқмоқ); усталик билан қутулмоқ; ~ **при отве́те** усталик билан жавоб бериб қутулмоқ.

ИЗВЕ́РТЫВАТЬСЯ *несов. см.* **изверну́ться.**

ИЗВЕСТИ́, -еду́, -едёшь *сов. (несов.* **изводи́ть**) 1 *что разг.* сарфламоқ, харжламоқ, кетказмоқ; сарфлаб (харжлаб, ишлатиб) тамом қилмоқ; ~ **мно́го де́нег** кўп пул сарфламоқ

www.ziyouz.com kutubxonasi

(кеткизмоқ); 2 *кого-что прост.* **йўқ қилмоқ, қирмоқ, қийратмоқ, нобуд қилмоқ;** ~ **тараканов** суваракларни йўқ қилмоқ (қирмоқ); 3 *кого-что разг.* жонига тегмоқ; жонидан тўйдирмоқ, безор қилмоқ, қийнаб юбормоқ; ~ **насмешками** масхара қилавериб жонига тегмоқ.

ИЗВЕСТИ/Е *с* 1 хабар, дарак, ахборот, маълумот; 2 *мн.* ~**я** ахборот, ахборотнома, известия (баъзи нашрлар номи); **Известия Академии наук СССР** СССР Фанлар Академиясининг Ахбороти; ✦ **последние** ~**я** сўнгги ахборот (радиода); **вечерний выпуск последних** ~**й** сўнгги ахборотнинг кечки сони.

ИЗВЕСТИСЬ, -едусь, -едёшься *сов. (несов.* **изводиться**) *разг.* 1 қийналиб кетмоқ, адо (адойи-тамом) бўлмоқ, жонидан тўймоқ, безор бўлмоқ; ~ **от горя** ғам-гуссадан адойи-тамом бўлмоқ; 2 заифлашиб қолмоқ, чўп-устухон бўлиб кетмоқ; сўлиб (қуриб) қолмоқ; 3 йўқолмоқ, йўқ бўлиб кетмоқ; қирилмоқ, қирилиб кетмоқ, битмоқ; **Дуб и мачтовая сосна уже извелись начисто** (Леонов) Эман дарахти ва мачтабоп қарағайлар бутунлай йўқ бўлиб кетди.

ИЗВЕСТИТЬ, -ешу, -естишь *сов. (несов.* **извещать**) *кого-что о чём* билдирмоқ, маълум қилмоқ, эълон қилмоқ, хабар қилмоқ; хабардор (воқиф) қилиб қўймоқ; ~ **о своём приезде** келиши ҳақида хабар бермоқ; ~ **о дне заседания** йиғилиш куниии хабар қилмоқ.

ИЗВЕСТК/А *ж разг.* 1 оҳак, қорилган оҳак; **выбелить ~ой** оҳак билан оқламоқ; 2 *разг.* оҳак.

ИЗВЕСТКОВАНИЕ *с спец. по гл.* **известковать**; ~ **почвы** ерни (тупроқни) оҳак билан ўғитлаш.

ИЗВЕСТКОВАТЬ, -кую, -куешь *сов.* и *несов. что спец.* оҳак билан ўғитламоқ, ерга оҳак бермоқ; ~ **почву** ерни оҳак билан ўғитламоқ.

ИЗВЕСТКОВ/ЫЙ, -ая, -ое 1 оҳакка оид; оҳакдан қилинган; оҳакли; оҳак...; ~**ый завод** оҳак заводи; ~**ая печь** оҳак печи (оҳак пиширадиган печь); ~**ый раствор** оҳак қоришма (бўза); ~**ая вода** оҳакли сув; оҳак суви; 2 *то же, что* **известняковый.**

ИЗВЕСТНО 1 *безл. в знач. сказ.* маълум, аён, аниқ, белгили; **мне ~, что он уже здесь** унинг шу ердалиги менга маълум; **насколько мне** ~ билишимча, менга маълум бўлишича; **да будет вам ~, что...** сизга маълум бўлсинки...; билиб қўйингки...; **это всем** ~ бу ҳаммага маълум; буни ҳамма билади; 2 *в знач. вводн. сл. прост.* албатта, турган гап, маълум; ~, **с ним не договоришься** маълум, у билан келишиб бўлмайди; ✦ **как** ~ *в знач. вводн. сл.* маълумки.

ИЗВЕСТНОСТЬ *ж* 1 маълумлик, таниқлилик, танишлик; машҳурлик; **мировая** ~ дунёга машҳурлик; 2 шуҳрат, ном, довруқ, донг; **приобрести** ~ машҳур бўлмоқ, ном чиқармоқ; ✦ **ставить в** ~ *кого* маълум қилмоқ, билдириб (хабардор қилиб) қўймоқ.

ИЗВЕСТН/ЫЙ, -ая, -ое; -тен, -тна 1 *кому-чему* маълум, равшан; таниш, ошна; ҳамма биладиган; ~**ая дорога** таниш (ошна) йўл; ~**ое в физике явление** физикада маълум ҳодиса; 2 машҳур, донгдор, номдор, атоқли; донғи чиққан (кетган), ном чиқарган, донг таратган; ~**ый писатель** машҳур ёзувчи; ~**ый учёный** атоқли олим; 3 *разг.* маълум, оти чиққан; ~**ый лгунишка** маълум (оти чиққан) ёлғончи; 4 белгили, тайинли, маълум, муайян, баъзи, айрим; **в ~ые часы** маълум соатларда; **с ~ой целью** маълум мақсад билан; **в ~ых случаях** баъзи (айрим) ҳолларда; 5 маълум, фалон, фалон-писмадон; ~**ая особа** маълум одам, фалончи; **девицы ~ого поведения** юриш-туриши маълум қизлар; 6 *в знач. сущ.* ~**ое** *мат.* маълум (сон, миқдор); ✦ ~**ое дело** *разг.* маълум нарса (гап, иш); **до (или в) ~ой степени** *см.* **степень; в ~ой мере** *см.* **мера.**

ИЗВЕСТНЯК *м, р.* **-а́** оҳактош (оҳакли, тоғ жинси); **к ~а́м относятся мра́мор, гипс, мел** мармар, гипс, бўр оҳактошларга киради.

ИЗВЕСТНЯКОВ/ЫЙ, -ая, -ое оҳактошга оид, оҳактошли; оҳактош...; ~**ые породы** оҳактошли жинслар.

ИЗВЕСТЬ *ж* оҳак; **гашёная** ~ сўндирилган (очтирилган) оҳак.

ИЗВЕТ *м уст.* чақимчилик, чақим, чақув, гап ташиш; туҳмат.

ИЗВЕЧНОСТЬ *ж книжн.* азалийлик, қадимийлик.

ИЗВЕЧНЫЙ, -ая, -ое; -чен, -чна 1 **азалий;** ~ **мир** азалий дунё; 2 азалги, бурунги, азалдан қолган, бурунги вақтлардан бери давом этиб келган; ~ **спор** азалги жанжал.

ИЗВЕЩАТЬ *несов. см.* **известить.**

ИЗВЕЩЕНИЕ *с* 1 *по гл.* **известить**; ~ **по радио** радио орқали эълон қилиш; 2 билдириш, эълон, хабарнома; ~ **об уплате** тўлов ҳақида хабарнома; **получить официальное** ~ расмий хабарнома олмоқ.

ИЗВИВ *м* бурилиш, қайрилиш, муюлиш, эгри-бугри (илон изи) жой; ~**ы реки** дарёнинг бурилишлари; дарё бураларган жойлар.

ИЗВИВАТЬ *несов. см.* **извить.**

ИЗВИВА/ТЬСЯ *несов.* 1 *сов.* **извиться**; 2 буралиб-буралиб кетмоқ; билангламоқ, тўлғанмоқ; **из рассе́лины, ~ясь, выползала змея** ёриқдан илон билангламоқ чиқмоқда эди; 3 эгри-бугри (илон изи) бўлиб кетмоқ; **дорога ~лась по го́рным кручам** йўл тик тоғ ёнбағирларидан илон изи бўлиб борарди.

ИЗВИЛИН/А *ж* иланг-биланг (эгри-бугри, илон изи) жой; ~**ы дороги** йўлнинг эгри-бугри жойлари; ~**ы мозга** миянинг бурма-бурма бўлиб турган жойлари.

ИЗВИЛИСТОСТЬ *ж* иланг-биланглик, эгри-бугрилик.

ИЗВИЛИСТ/ЫЙ, -ая, -ое иланг-биланг, эгри-бугри, илон изи; ~**ая дорога** эгри-бугри (илон изи) йўл; ~**ая речка** эгри-бугри ариқ (анҳор).

ИЗВИНЕНИ/Е *с* 1 кечириш, афв этиш, маъзур санаш, гуноҳидан ўтиш; **проси́ть ~я** кечиришни сўрамоқ, кечирим сўрамоқ; 2 кечирим, узр, афв; **приня́ть ~е** узрини қабул қилмоқ; 3 узр, сабаб, баҳона, оқлаш учун асос; **э́то не может служи́ть ~ем** бу узр (ёки сабаб, баҳона) бўлолмайди.

ИЗВИНИТЕЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое; -лен, -льна 1 *уст.* кечирса бўладиган, узрли, маъзур; ~**ый посту́пок** кечирса бўладиган хатти-ҳаракат; узрли иш; 2 узр (кечирим) сўралган, кечириш илтимос қилинган, илтижоли; ~**ое письмо́** узр (кечирим) сўраб ёзилган хат; ~**ый тон** илтижоли оҳанг; илтижо оҳанги.

ИЗВИНИ/ТЬ *сов. (несов.* **извиня́ть**) 1 *кого-что* кечирмоқ, афв этмоқ, гуноҳидан ўтмоқ; **я ему́ э́того не извиню́** унинг бу ишини (қилмишини) кечира олмайман; ~**те за беспоко́йство** безовта қилганим учун **кечиринг (кечирасиз);** ~**те, что заста́вил до́лго ждать кечиринг, сизни кўп куттириб қўйдим;** кўп кутдирганим **учун кечирасиз;** 2 *кого-что чем прост.* маъзур кўрмоқ, назарга олиб **кечирмоқ,** узрини қабул қилмоқ; ~**ть ша́лость мо́лодостью** ёшлигини **назарга** олиб, ёшлигини кечирмоқ; ✦ ~**(те); нет, ~(те); нет, уж (э́то)** ~ **(те)** кечирасиз, йўқ энди, кечирасиз, **энди** буниси кетмайди; ~**(те) за выраже́ние** ибора **ножу́я (ножоиз)** бўлса, кечирасиз; ножўя гапирган бўлсам, афв **этасиз.**

ИЗВИНЯ́ТЬСЯ *сов. (несов.* **извиня́ться**) 1 **кечирим** (узр, афв) сўрамоқ, узр билдирмоқ; ~ **за до́лгое молча́ние** узоқ вақт хат ёзмаганлиги учун кечирим сўрамоқ; 2 *чем уст.* сабаб кўрсатиб (баҳона қилиб) ўзини оқламоқ, узр сўрамоқ, маъзур тутишни илтимос қилмоқ; ~**своей боле́знью** касаллигини айтиб узр сўрамоқ.

ИЗВИНЯ́ТЬ *несов. см.* **извини́ть.**

ИЗВИНЯ́ТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **извини́ться**; 2 **извиня́юсь** *прост.* кечирасиз, афв этасиз, маъзур кўргайсиз, айбга буюрмайсиз; 3 *страд. от* **извиня́ть.**

ИЗВИНЯ́ЮЩ/ИЙ, -ая, -ее 1 *прич. от* **извиня́ть**; 2 *в знач. прил.* узр (баҳона) бўла оладиган, маъзур саналадиган, узрли, сабабли; ~**е причи́ны** узр бўла оладиган (узрли) сабаблар.

ИЗВИНЯЮЩ/ИЙСЯ, -аяся, -еяся, 1 *прич. от* **извиня́ться**; 2 *в знач. прил.* илтижоли, ёлворган, ялинган, узр оҳангидаги;— **Ты не спишь, дружо́чек?— спроси́л он** ~**мся го́лосом** (Чехов) Ухлаганинг йўқми, дўстим?— сўради у узр оҳангида.

ИЗВИ/ТЬ, изовью́, изовьёшь *сов. (несов.* **извива́ть**) *что* эгиб (букиб) чамбарак қилмоқ, ҳалқа (ёки спираль) шаклида ўрамоқ; **змея́ ~ла хвост кольцо́м** илон думини ҳалқа қилиб олди (ўради).

ИЗВИ́ТЬСЯ, изовью́сь, изовьёшься *сов. (несов.* **извива́ться**) эгилиб (букилиб) чамбарак бўлмоқ, ҳалқа (ёки спираль) шаклида ўралмоқ.

ИЗВЛЕКА́ТЬ *несов. см.* **извле́чь.**

www.ziyouz.com kutubxonasi

ИЗВЛЕКА́ТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **извле́чься**; 2 *страд. от* **извлека́ть**.

ИЗВЛЕЧЕ́НИ/Е *с* 1 *по гл.* **извле́чь — извлека́ть** 1—4; **~е при́были** фойда чиқариш; 2 парча, кўчирма, цитата; **~я из произведе́ний Навои́** Навоий асарларидан парчалар.

ИЗВЛЕ́ЧЬ, -еку́, -ечёшь, -еку́т; -ёк, -екла́ *сов.* (*несов.* **извлека́ть**) 1 *что из чего* олмоқ, чиқармоқ, чиқариб (тортиб, суғуриб) олмоқ, суғурмоқ; **~пу́лю из ра́ны** ярадан ўқни чиқариб олмоқ; **~ меч из но́жен** қилични қинидан суғуриб олмоқ; 2 *что* тортмоқ, олмоқ, ҳайдамоқ; **~ ма́сло из семя́н подсо́лнечника** кунгабоқар уруғидан ёғ олмоқ; 3 *перен. что* олмоқ, танлаб (ёзиб) олмоқ; **~ но́вые да́нные из архи́вных материа́лов** архив материалларидан янги маълумотларни олмоқ; 4 *перен. что из чего* олмоқ, топмоқ, кўрмоқ, чиқармоқ (фойда, наф, сабоқ ва ҳ. к.); **~ уро́к из собы́тий** бўлиб ўтган воқеалардан сабоқ чиқармоқ; **~ по́льзу** фойда (манфаат) кўрмоқ, наф топмоқ; **~ вы́году** фойда олмоқ; 5 *перен. что из чего книжн.* чиқармоқ (товуш, ёш ва ҳ. к. ҳақида); **~ из струн моти́в популя́рной пе́сни** торлардан машҳур қўшиқ садоларини чиқармоқ; ✦ **~ ко́рень** *мат.* илдизини (радикални) топмоқ, илдиз остидан чиқармоқ.

ИЗВЛЕ́ЧЬСЯ, -ечётся, -еку́тся; -ёкся, -екла́сь *сов.* (*несов.* **извлека́ться**) олинмоқ, чиқмоқ; чиқариб (тортиб, суғуриб) олинмоқ, суғурилмоқ.

ИЗВНЕ́ *нареч.* сиртдан, ташқаридан, четдан; **зву́ки, донося́щиеся ~** ташқаридан эшитилаётган (келаётган) товушлар; **по́мощь ~** четдан берилган ёрдам, сиртдан кўрсатилган ёрдам; **без по́мощи ~** бировларнинг ёрдамисиз, четдан (сиртдан) ёрдам олмасдан.

ИЗВО́Д I *м прост.* сарфлаш, сарф (харж) қилиш, сарфлаб (харж қилиб, ишлатиб) тамомлаш; **пусто́й ~ де́нег** пулни бекорга сарф қилиш.

ИЗВО́Д II *м лит.* тил хусусиятларига кўра бошқа нусхалардан фарқ қиладиган қўл ёзма (қадимги славян ёзувида).

ИЗВОДИ́ТЬ, -ожу́, -о́дишь *несов. см.* **извести́**.

ИЗВОДИ́ТЬСЯ, -ожу́сь, -о́дишься *несов.* 1 *см.* **извести́сь**; 2 *страд. от* **изводи́ть**.

ИЗВО́З *м уст.* киракашлик; **занима́ться ~ом** киракашлик қилмоқ; **пое́хать в ~** киракаш аравада бормоқ.

ИЗВОЗИ́ТЬ, -ожу́, -о́зишь *сов. что прост.* кир (ифлос) қилиб юбормоқ, кирга беламоқ; яғирини чиқармоқ; **~ подо́л в грязи́** этагини кир-яғир қилмоқ.

ИЗВОЗИ́/ТЬСЯ *сов. прост.* кир (ифлос, яғир) бўлмоқ, кирга ботмоқ, беланмоқ, яғири чиқмоқ; **посмотри́ на себя́! Где ты так ~лся?** аҳволингни қара! Қаерда бунчалик кирга ботдинг?

ИЗВО́ЗНЫЙ, -ая, -ое киракашликка оид; киракашлик...; **~ про́мысел** киракашлик (юк ташиш) касби.

ИЗВО́ЗЧИК *м* 1 извош (файтон) ҳайдовчи, извошчи, кучер; **ломово́й ~** арава кучери; **легково́й ~** енгил арава (извош, файтон) кучер; **возду́шный ~** *шутл.* граждан авиацияси учувчиси ҳақида; 2 извош, файтон, арава; **е́хать на ~е** извошда бормоқ.

ИЗВО́ЗЧИЧ/ИЙ, -ья, -ье извошчига оид, қарашли, извошчи; **~ья пролётка** извошчи араваси; извош, файтон.

ИЗВОЛЕ́НИЕ *с книжн. уст.* эрк, хоҳиш, истак; ижозат, рухсат.

ИЗВОЛ/И́ТЬ *несов.* 1 *чего* или с *неопр. уст.* хоҳламоқ, истамоқ, ...гиси келмоқ, ...га ҳуши (хоҳиши) бўлмоқ; **не ~ите ли позавтракать с на́ми?** биз билан нонушта қилиб олишга хоҳишлари борми?; биз билан нонушта қилиб олмайдиларми?; 2 *с неопр. уст.* мурожаатда ҳурмат, узрни билдириб келади; **Я ка́жется, помеша́л вам: вы ~или чита́ть** (Герцен) Мен сизни безовта қилдим шекилли, кечирасиз, ўқиётган экансиз; 3 *с неопр.* норозилик(гина)ни билдиради; **что же вы не ~или яви́ться во́время?** нега вақтида келмадингиз (кечикиб келдингиз)?; **пожа́ловать ~или?** ҳа, келибсиз-да?; 4 *пов.* **~ь(те)** *с неопр.* марҳамат қилинг, лутф айланг, марҳамат; **~ьте сесть, дороги́е го́сти** азиз меҳмонлар, марҳамат, ўтиринглар!; **Изво́льте расписа́ться в получе́нии ва́ших бума́г** (М. Горький) Қоғозларингизни олганлигингиз ҳақида, марҳамат қилиб, қўл қўйсангиз; 5 *пов.* **~ь(те)** *с неопр.* марҳамат қилиб бажаринг; **~ьте слу́шать внима́тельно, когда́ говоря́т ста́ршие!** катталар гапираётганда марҳамат қилиб диққат билан қулоқ солинг!; 6 *пов.* **~ь(те)** *с неопр.* қаранг-а!, кўринг-а! (ўзига ўзи мурожаатда);— **Вот ~ь(те) жить и де́ло де́лать с таки́ми господа́ми!** (Чехов) Қаранг-а, шунақанги жаноблар билан яшашим ва иш қилишим керак эмиш!; 7 *пов.* **~ь(те)** *разг.* хўп, майли, бўпти; **пое́дем? — Изво́льте** кетамизми?— Бўпти; 8 *пов.* **~ь(те)** *разг.* хўп бўлади, марҳамат, бош устига, бажону дил; **подви́ньтесь!— Изво́льте** бир оз сурилинг!— Хўп бўлади.

ИЗВОЛНОВА́ТЬСЯ, -ну́юсь, -ну́ешься *сов. разг.* хавотирликда (безовта бўлиб, ташвиш тортиб) адо бўлмоқ, сабр-тоқати тугамоқ; **~, ожида́я изве́стий** хабар кутиб сабр-тоқати тугамоқ, хабар кутавериб адо бўлмоқ.

ИЗВО́ЛОК *м обл.* қиялик, қия тепалик, ўр.

ИЗВОРА́ЧИВАТЬСЯ *несов. разг. см.* **изверну́ться**.

ИЗВОРО́Т *м уст.* 1 бурилиш, қайрилиш; бурилиш жойи; **~ы реки́** дарёнинг бурилиш жойлари; 2 *мн.* **~ы** *перен.* нозик қочирим, шама; нозик ўзгаришлар; **разобра́ться в то́нких ~ах чужо́й мы́сли** кимсанинг фикридаги нозик ўзгаришлар; 3 *перен.* гапни айлантириш, хийла, найранг, қувлик; **говори́те пра́вду без вся́ких ~ов** гапни айлантирмасдан, тўппа-тўғрисини айтинг.

ИЗВОРО́ТЛИВОСТЬ *ж* 1 эпчиллик, чапдастлик, чаққонлик; 2 эпчиллик, уддабуронлик; 3 *перен.* зийраклик, ўткирлик, ҳозиржавоблик; **~ мы́сли** фикр зийраклиги.

ИЗВОРО́ТЛИВЫЙ, -ая -ое 1 тутқич бермайдиган, эпчил, чапдаст, чаққон; 2 эпчил, уддабурон, ишгир; **~ челове́к** эпчил (уддабурон) одам; 3 *перен.* зийрак, ўткир, топқир, ҳозиржавоб; **~ ум** зийрак (ўткир) ақл.

ИЗВРАТИ́/ТЬ, -ащу́, -ати́шь *сов.* (*несов.* **извраща́ть**) 1 *что* бузмоқ, бузиб кўрсатмоқ, нотўғри талқин қилмоқ; **~ть и́стину** ҳақиқатни бузиб кўрсатмоқ; **~ть фа́кты** фактларни бузиб кўрсатмоқ; 2 *кого-что* бузмоқ, айнитмоқ, ёмон таъсир кўрсатмоқ; **Воспита́ние ~ло его́ ум и се́рдце** (Салтыков-Щедрин) Тарбия унинг онгига ҳам, қалбига ҳам ёмон таъсир кўрсатди.

ИЗВРАТИ́ТЬСЯ, -и́тся *сов.* (*несов.* **извраща́ться**) бузилмоқ, айнимоқ, ёмон томонга ўзгармоқ.

ИЗВРАЩА́ТЬ *несов. см.* **изврати́ть**.

ИЗВРАЩА́ТЬСЯ, -а́ется *несов.* 1 *см.* **изврати́ться**; 2 *страд. от* **извраща́ть**.

ИЗВРАЩЕ́НИ/Е *с* 1 *по гл.* **изврати́ть** и **изврати́ться**; **~е чужи́х слов** бошқаларнинг гапини бузиб кўрсатиш (айтиш); 2 бузилиш, айниш, йўлдан озиш; бузуқлик; **нра́вственное ~е** ахлоқий бузилиш (бузуқлик); **вкусовы́е ~я** таъм сезишнинг бузилиши; таъм билмаслик.

ИЗВРАЩЕ́ННОСТЬ *ж* 1 бузуқлик; **нра́вственная ~** ахлоқий бузуқлик; 2 нотўғрилик, бузуқлик, бузилганлик.

ИЗВРАЩЕ́ННЫЙ, -ая, -ое 1 *прич. от* **изврати́ть**; 2 *знач. прил.* бузиб кўрсатилган, нотўғри талқин қилинган; нотўғри; **~ое толкова́ние** нотўғри талқин қилиш; нотўғри талқин; 3 *в знач. прил.* бузуқ, бузилган, айниган; **челове́к с ~ым вку́сом** диди бузуқ (айниган) киши.

ИЗГАДИ́ТЬ, -а́жу, -а́дишь *сов.* (*несов.* **изга́живать**) *что прост.* 1 булғамоқ, булғатмоқ, ифлос қилмоқ; 2 *перен.* бузмоқ, расво қилмоқ; расвосини чиқармоқ.

ИЗГАДИ́ТЬСЯ, -а́жусь, -а́дишься *сов.* (*несов.* **изга́живаться**) 1 булғанмоқ, ифлос бўлмоқ; 2 *перен.* бузилмоқ, расво бўлмоқ.

ИЗГА́ЖИВАТЬ *несов. см.* **изга́дить**.

ИЗГА́ЖИВАТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **изгади́ться**; 2 *страд. от* **изга́живать**.

ИЗГИ́Б *м* 1 бурилиш, муюлиш; бурилган (эгилган) жой, эгик; букик; **~ ше́и** бўйиннинг эгилган жойи; **~доро́ги** йўлнинг бурилиш жойи; 2 *мн.* **~ы** *перен.* нозик (нафис) жой; нозик ўзгаришлар; **~ы души́** кўнгилнинг нозик жойи (нозик ўзгаришлари).

ИЗГИБАЕМОСТЬ *ж* эгилувчанлик.

ИЗГИБА́ТЬ *несов. см.* **изогну́ть**.

ИЗГИБА́/ТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **изогну́ться**; 2 эгилмоқ, эгиладиган (эгилиш хусусиятига эга) бўлмоқ; 3 бурилмоқ, қайрилмоқ; биланглаб; **хребе́т ~ется здесь на восто́к** тизма тоғ бу ерда шарққа бурилади (бурилган); **Изгиба́ясь, как ле́нта, по́езд прошёл на тре́тий путь** (С. Антонов) Поезд, лента каби биланглаб (бурилиб) учинчи йўлга ўтди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ИЗГИБИСТ/ЫЙ, -ая, -ое иланг-биланг, эгри-бугри, қийғир-қийшиқ; ~**ая река́** иланг-биланг (бўлиб оқадиган) дарё.

ИЗГЛА́ДИ/ТЬ, -а́жу, -а́дишь *сов. (несов.* **изгла́живать**) *что* 1 сийқалаб (текислаб) йўқ қилмоқ, ўчириб юбормоқ, билинмайдиган қилиб қўймоқ; **вре́мя ~ло на́дпись на ка́мне** замонлар тошдаги ёзувни сийқалаб юборди; вақт ўтиши билан тошга ёзилган хат ўчиб кетипти; 2 *перен.* текислаб (силлиқлаб) юбормоқ, унуттирмоқ, эсдан чиқартирмоқ; ~**ть неприя́тное впечатле́ние** кўнгилсиз (хунук) таассуротни текислаб юбормоқ (ёки эсдан чиқартирмоқ, унуттирмоқ); ✦ ~**ть из па́мяти** хотирадан чиқариб ташламоқ.

ИЗГЛА́ДИТЬСЯ, -ится *сов. (несов.* **изгла́живаться**) 1 сийқаланиб (текисланиб) йўқ бўлмоқ, билинмай кетмоқ, ўчиб кетмоқ; 2 *перен.* текисланмоқ, унутилмоқ, эсдан чиқмоқ, текисланиб кетмоқ; ✦ ~ **из па́мяти** эсдан (хотирадан) кўтарилмоқ.

ИЗГЛА́ЖИВАТЬ *несов. см.* **изгла́дить.**

ИЗГЛА́ЖИВАТЬСЯ, -ается *несов.* 1 *см.* **изгла́диться**; 2 *страд. от* **изгла́живать.**

ИЗГНА́НИ/Е *с* 1 *по гл.* **изгна́ть**; ~**е врага́** душманни қувиб (суриб) чиқариш; 2 сургун, бадарға, қувғин; **жить в ~и** қувғинда (сургунда) яшамоқ.

ИЗГНА́ННИК *м* ҳайдалган (бадарға қилинган) одам.

ИЗГНА́ННИЦА *ж см.* **изгна́нник.**

ИЗГНАННИЧЕСК/ИЙ, -ая, -ое сургунга оид, сургундаги; сургун...; ~**ая жизнь** сургунда яшаш, сургундаги ҳаёт; дарбадарлик.

ИЗГНА́ТЬ, -гоню́, -го́нишь *сов. (несов.* **изгоня́ть**) *кого-что* 1 ҳайдамоқ, қувмоқ, қувиб (суриб) чиқармоқ, сургун қилмоқ; ~ **из свое́й среды́** (бировни) орадан ҳайдаб чиқармоқ; орадан кўтармоқ; ~ **из страны́** мамлакатдан қувиб (ҳайдаб) чиқармоқ; 2 йўқ қилмоқ, барҳам бермоқ, чиқариб юбормоқ; ~ *что-л.* **из употребле́ния** истеъмолдан чиқариб юбормоқ, ишлатилмайдиган қилмоқ; ~ **из па́мяти** хотирадан чиқариб юбормоқ.

ИЗГОЙ *м* 1 қадимги Россияда: ўз ижтимоий группасидан, жамиятдан четлашиб қолган киши; 2 *перен.* эътибордан (назардан) қолган одам, радди маърака; қочқин.

ИЗГОЛОВЬ/Е *с, р. мн.* **-вий** бош, бош томон, ёстиқ томон, ёстиқ; **положи́ть поду́шку в ~е** ёстиқни бош томонга (бошга) қўймоқ; **сиде́ть у ~я больно́го** касалнинг бош томонида (тепасида) ўтирмоқ; ~**ем ему́ служи́ло седло́** эгар унга ёстиқ бўлди.

ИЗГОЛО́ДАТЬСЯ *сов.* 1 очиқмоқ, оч қолмоқ, қорни очиб кетмоқ; 2 *перен. по чему* қўмсамоқ, зориқмоқ, соғинмоқ, зор бўлмоқ; ~ **по хоро́шей му́зыке** яхши музикани соғинмоқ; яхши музикага зор бўлмоқ.

ИЗГОНЯ́ТЬ *несов. см.* **изгна́ть.**

ИЗГОРОДЬ *ж* шох девор, тўсиқ, панжара; ✦ **живая́ ~** бута (чакалак) ғов, ўсимликдан ҳосил бўлган иҳота.

ИЗГОТА́ВЛИВАТЬ *несов. см.* **изгото́вить.**

ИЗГОТА́ВЛИВАТЬСЯ *неесов.* 1 *см.* **изгото́виться**; 2 *страд. от* **изгота́вливать.**

ИЗГОТО́ВИТЬ, -влю, -вишь *сов. (несов.* **изгота́вливать** и **изготовля́ть**) *что* 1 ишлаб чиқармоқ, тайёрламоқ, ясамоқ; тайёрлаб (ясаб) қўймоқ; ~**маке́т самолёта** самолёт макетини тайёрламоқ; 2 *разг.* тайёрламоқ, ҳозирламоқ, пиширмоқ, қилмоқ; ~ **обе́д** тушлик (овқат) тайёрламоқ.

ИЗГОТО́ВИТЬСЯ, -влюсь, -вишься *сов. (несов.* **изгота́вливаться** и **изготовля́ться**) тайёрланмоқ, ҳозирланмоқ, отланмоқ, шайланиб турмоқ; ~ **к прыжку́** сакрашга тайёрланмоқ.

ИЗГОТО́ВК/А *ж* 1 *прост.* ясаш, тайёрлаш; 2 *воен. спорт.* тайёрланиш, шайланиш; **тайёр (шай)** ҳолат; ~**а к стрельбе́** отишга тайёрланиш; отишга тайёр ҳолат; **взять ружьё на ~у** қуролни отишга тайёр ҳолатда тутмоқ.

ИЗГОТО́ВЛЕНИЕ *с по гл.* **изгото́вить.**

ИЗГОТОВЛЯ́ТЬ *несов. см.* **изгото́вить.**

ИЗГОТОВЛЯ́ТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **изгото́виться**; 2 *страд. от* **изготовля́ть.**

ИЗГРЫЗА́ТЬ *несов. см.* **изгры́зть.**

ИЗГРЫЗ/ТЬ, -ызу́, -ызёшь; -ы́з, -ы́зла *сов. (несов.* **изгрыза́ть**) *что* 1 тишлаб (чайнаб, кемириб) зарар етказмоқ, ишдан чиқармоқ; 2 ғажиб (кемириб) ташламоқ, ғажиб (кемириб) кетмоқ; ғажиб (кемириб) еб қўймоқ; **соба́ка ~ла кость** кучук суякни ғажиб еб қўйди.

ИЗДАВА́ТЬ I, -даю́, -даёшь *несов. см.* **изда́ть I.**

ИЗДАВА́ТЬ II, -даю́, -даёшь *несов. см.* **изда́ть II.**

ИЗДАВА́ТЬСЯ I, -даётся *несов.* 1 нашр этилмоқ, босилмоқ, босиб чиқарилмоқ; **кни́га издаётся ма́ссовым тиражо́м** китоб оммавий тиражда босиб чиқарилади; 2 *страд. от* **издава́ть I.**

ИЗДАВА́ТЬСЯ II, -даётся *несов. страд. от* **издава́ть II.**

ИЗДАВНА *нареч.* аллақачондан бери, анчадан бери, қадимдан, бурундан, азалдан; **сюда́ ~ приезжа́ли отдыха́ть** азалдан бу ерга дам олгани келардик (келишарди).

ИЗДАЛЕКА́ и **ИЗДАЛЁКА** *нареч.* 1 узоқдан туриб, йироқдан, узоқдан, олисдан; **цепь гор видна́ ~** тоғлар тизмаси йироқдан кўринади (кўриниб турибди); 2 узоқ ердан, олис жойлардан, узоқдан; **прие́хать ~** узоқдан келмоқ; ✦ **нача́ть ~** узоқдан бошламоқ, гапни узоқдан айлантириб келмоқ, даромад қилмоқ.

ИЗДАЛИ *нареч.* 1 *то же, что* **издалека́** 1; 2 *прост. то же, что* **издалека́** 2; 3 *перен.* узоқдан, четдан.

ИЗДА́НИ/Е *с* 1 *по гл.* **изда́ть I**; ~**е зако́на** қонун чиқариш; ~**е уче́бников** дарсликлар чиқариш (нашр этиш); **рекомендова́ть к ~ю** нашрга тавсия қилмоқ; 2 босма (босилган) асар; нашр; **печа́тное ~е** босма нашр; **периоди́ческое ~е** вақтли (даврий) нашр (газета ва журналлар); **испра́вленное и допо́лненное ~е** тузатилган ва тўлдирилган нашр; 3 нашр (бир набордан босилган асарлар мажмуи); **пя́тое ~е сочине́ний В. И. Ле́нина** В. И. Ленин асарларининг бешинчи нашри.

ИЗДА́ТЕЛЬ *м* нашр этувчи, босиб чиқарувчи, ношир.

ИЗДА́ТЕЛЬНИЦА *ж см.* **изда́тель.**

ИЗДАТЕЛЬСК/ИЙ, -ая, -ое нашриётга ва нашриётчиликка оид, нашриёт...; нашриётчилик...; ~**ое де́ло** нашриётчилик иши; ~**ий план** нашриёт плани; ~**ий догово́р** нашриёт шартномаси, нашриёт билан тузилган шартнома.

ИЗДА́ТЕЛЬСТВО *с* нашриёт; **госуда́рственное ~** давлат нашриёти; ~ **«Фан»** «Фан» нашриёти.

ИЗДА́ТЬ I, -да́м, -да́шь; -да́ст, -дади́м, -дади́те, -даду́т *сов. (несов.* **издава́ть I**) *что* 1 нашр (чоп) қилмоқ, босмоқ, босиб чиқармоқ; ~ **кни́гу** китоб нашр этмоқ (босиб чиқармоқ); 2 эълон қилмоқ, чиқармоқ; ~ **постановле́ние** қарор чиқармоқ; ~ **ука́з** фармон чиқармоқ.

ИЗДА́/ТЬ II, -да́м, -да́шь, -да́ст, -дади́м, дади́те, -даду́т *сов. (несов.* **издава́ть II**) *что* чиқармоқ; таратмоқ, тарқатмоқ (товуш, ҳид ва ш. к. ҳақида); **ра́неный не ~л ни зву́ка** яралар сира товуш чиқармади.

ИЗДЕВАТЕЛЬСК/ИЙ, -ая, -ое таҳқирли, ҳақоратли, кишини таҳқирлайдиган, хўрлайдиган, масхаралайдиган, ҳақоратомуз, масхараомуз; ~**ое отноше́ние** таҳқирли муносабат; ~**ий тон** ҳақоратомуз (масхараомуз) оҳанг.

ИЗДЕВА́ТЕЛЬСТВО *с* 1 таҳқирлаш, хўрлаш, масхаралаш, мазах қилиш; 2 кишини таҳқирлайдиган иш (хатти-ҳаракат, муносабат); таҳқиромуз (масхараомуз) гап; таҳқир, мазах, хўрлик.

ИЗДЕВА́ТЬСЯ *несов. над кем-чем* таҳқирламоқ, хўрламоқ, масхара (мазах) қилмоқ.

ИЗДЁВКА *ж, р. мн.* **-вок** *разг. то же, что* **издева́тельство** 2.

ИЗДЕ́ЛИ/Е *с* 1 ишланган нарса, буюм, ишлов; **шёлк куста́рного ~я** қўлда ишланган шойи; 2 маҳсулот, буюм, мол; **промы́шленные ~я** саноат маҳсулотлари (моллари); **шерстяны́е ~я** жун моллар; **моло́чные ~я** сут маҳсулотлари; **гото́вые ~я** тайёр моллар (буюмлар); тайёр маҳсулот; **гончарные ~я** сопол буюмлар; ~**я из зо́лота тилла** буюмлар.

ИЗДЁРГАННЫЙ, -ая, -ое 1 *прич. от* **издёргать**; 2 *в знач. прил.* асаблари бузилган, асабийлашиб қолган; ~ **челове́к** асаблари бузилган киши.

ИЗДЁРГАТЬ *сов. разг.* 1 *что* тортқилаб (тортқилайвериб) узмоқ, йиртмоқ, титиб-юлиб юбормоқ; ~ **бахрому́ ска́терти** дастурхон попугини тортқилайвериб узмоқ; 2 (*несов.* **издёргивать**) *перен. кого-что* асабларини бузмоқ, асабийлаштириб қўймоқ, ишдан чиқармоқ; ~ **челове́ка** придирками бўлар-бўлмасга танбеҳ (дакки) бераверіб, кишини асабийлаштириб қўймоқ; ~ **не́рвы** асабларни ишдан чиқармоқ.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ИЗДЕ́РГА/ТЬСЯ *сов. разг.* 1 тортқиланавериб узилмоқ, йиртилмоқ, ишдан чиқмоқ; 2 (*несов.* **издёргиваться**), *перен.* асабийлашиб қолмоқ, асаблари бузилмоқ, ишдан чиқмоқ; **за после́днее вре́мя он совсе́м ~лся** кейинги пайтларда унинг асаблари жуда бузилди; **не́рвы ~лись** асаблар ишдан чиқди.

ИЗДЁРГИВАТЬ *несов. см.* **издёргать** 2.

ИЗДЁРГИВАТЬСЯ *несов. см.* **издёргаться** 2.

ИЗДЕРЖА́ТЬ *сов.* (*несов.* **издéрживать**) *что* сарфлаб юбормоқ, сарф (харажат) қилмоқ, харжлаб битирмоқ, тамом қилмоқ; ~ **все де́ньги** ҳамма пулни харжлаб битирмоқ.

ИЗДЕРЖА́ТЬСЯ *сов.* (*несов.* **издéрживаться**) *разг.* ёнидан кўп сарф (харж) қилмоқ, кўп сарфламоқ, катта чиқимдор бўлмоқ, каттага тушмоқ; ~ **в доро́ге** йўлда катта чиқимдор бўлмоқ, йўлда каттага тушмоқ.

ИЗДЕ́РЖИВАТЬ *несов. см.* **издержа́ть**.

ИЗДЕ́РЖИВАТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **издержа́ться**; 2 *страд. от* **издéрживать**.

ИЗДЕ́РЖКИ *мн., р.* **-жек** *(ед.* **издéржка** *ж)* чиқим, харажат, сарф; **больши́е** ~ катта харажат (чиқим); ~ **произво́дства** ишлаб чиқариш харажатлари; **суде́бные** ~ суд харажатлари.

ИЗДИРА́ТЬ *несов. см.* **изодра́ть**.

ИЗДИРА́ТЬСЯ *несов. см.* **изодра́ться**.

ИЗДО́ЛЬНИК *м то же, что* **издо́льщик**.

ИЗДО́ЛЬЩИК *м* чоракор, коранда.

ИЗДО́ЛЬЩИНА *ж* чоракорлик, корандалик.

ИЗДО́ХНУТЬ,- ну, -нешь, -о́х, -о́хла *сов.* (*несов.* **издыха́ть**) ўлмоқ, ҳаром қотмоқ (ҳайвон ҳақида).

ИЗДРЕ́ВЛЕ *нареч. книжн.* азалдан, қадимдан, бурундан.

ИЗДЫХА́НИ/Е *с:* **до после́днего ~я** сўнгги нафасгача, то ўлгунча; **при после́днем ~и** сўнгги нафасни чиқараётганда, ўлаётган чоғда (пайтда); ўлар ҳолатида.

ИЗДЫХА́ТЬ *несов. см.* **издо́хнуть**.

ИЗЖА́ЛИТЬ *сов. кого-что* чақиб ташламоқ, таламоқ.

ИЗЖА́РИТЬ *сов.* (*несов.* **жа́рить**) *кого-что* қовурмоқ, қовуриб пиширмоқ; ~ **ры́бу** балиқни қовурмоқ; ~ **ку́рицу** товуқни қовурмоқ.

ИЗЖА́РИ/ТЬСЯ *сов.* (*несов.* **жа́риться**) 1 қовурилмоқ, қовурилиб пишмоқ; **мя́со уже́ ~лось** гўшт қовурилиб тайёр бўлди (пишди); 2 *прост.* қизимоқ, куймоқ; қизиб (куйиб) кетмоқ; ~**ться на со́лнце** офтобда қизиб (куйиб) кетмоқ.

ИЗЖЕЛТА- сарғимтил, сарғиш (ранг); **пла́тье ~кра́сного цве́та** сарғиш-қизил рангдаги (рангли) кўйлак.

ИЗЖЕ́ЧЬ, изожгу́, изожжёшь, изожгу́т; изжёг, изожгла́ *сов.* (*несов.* **изжига́ть**) *что разг.* 1 у ер-бу ерини куйдирмоқ, куйдириб қўймоқ, куйдириб олмоқ; ~ **хлора́т кислоты́** хлоратнинг у ер-бу ерини кислотада куйдириб қўймоқ; ~ **ру́ки утюго́м** қўлни дазмолда куйдириб олмоқ; 2 маълум миқдор ишлатмоқ, ёқмоқ, ёқиб бўлмоқ; ~ **весь у́голь** кўмирнинг ҳаммасини (ҳамма кўмирни) ишлатиб тугатмоқ, ёқиб бўлмоқ.

ИЗЖИВАТЬ *несов. см.* **изжи́ть**.

ИЗЖИВА/ТЬСЯ *несов.* 1 йўқ бўлиб кетмоқ, йўқолмоқ, битмоқ, тугамоқ; **недоста́тки постепе́нно ~ются** камчиликлар аста-секин йўқолиб бормоқда; 2 *страд. от* **изжива́ть**.

ИЗЖИГА́ТЬ *несов. см.* **изжечь**.

ИЗЖИ́ТЬ, -иву́, -ивёшь *сов.* (*несов.* **изжива́ть**) *что* 1 тугатмоқ, битирмоқ, йўқ қилмоқ, барҳам бермоқ; ~ **недоста́тки** камчиликларга барҳам бермоқ; 2 *уст.* бирор вақт яшамоқ, умр кўрмоқ; 3 *уст.* бошдан кечирмоқ, кўрмоқ, тотмоқ; ~ **го́ре** бошдан мусибат кечирмоқ; ✦ ~ **себя́** эскирмоқ, оёқдан қолмоқ.

ИЗЖО́ГА *ж* меъда (жиғилдон) қайнаши, зарда.

ИЗ-ЗА *предлог с р.* 1-дан, орқасидан, кетидан, ичидан, орасидан; ёнидан; ~ **угла́** бурчакдан; **встать ~ стола́** стол ёнидан турмоқ; ~ **туч** булутлар орасидан; ~ **мо́ря** денгиз ортидан; 2 сабабли, туфайли, важдан, орқасида, учун, натижасида; ~ **тебя́ я сто́лько пережи́л** сен туфайли шунча нарсаларни бошдан кечирдим; 3 учун, ... деб; ~ **де́нег** пул учун.

ИЗЗЕЛЕНА яшилга яқин (мойил); ~**-си́ний** яшилга мойил ҳаво ранг; ~ **си́него цве́та** яшилга мойил ҳаво ранг.

ИЗЗЯБ/НУТЬ, -ну, -нешь; -зя́б, -зя́бла *сов. разг.* қаттиқ совқотмоқ, совқотиб қолмоқ, совуқ емоқ; **я весь ~** жуда совқотдим, совқотиб кетдим, ҳамма ёғим совуқ қотиб кетди.

ИЗЛА́ВЛИВАТЬ *несов. см.* **излови́ть**.

ИЗЛАГА́ТЬ *несов. см.* **изложи́ть**.

ИЗЛАЗИ́ТЬ, -а́жу, -а́зишь *сов. что разг.* ковлаштириб (тимирскилаб) чиқмоқ, ҳамма ёқни ахтариб чиқмоқ, тит-пит қилмоқ; ~ **все углы́** ҳамма бурчакларни тимирскилаб (тит-пит қилиб) чиқмоқ.

ИЗЛА́МЫВАТЬ *несов. см.* **изломáть**.

ИЗЛА́МЫВАТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **изломáться**; 2 *страд. от* **изла́мывать**.

ИЗЛЕЖА́ТЬСЯ *сов.* (*несов.* **излёживаться**) ётавериб ишдан чиқмоқ, сандиқзада бўлиб қолмоқ.

ИЗЛЕ́ЖИВАТЬСЯ *несов. см.* **излежа́ться**.

ИЗЛЕ́НИВАТЬСЯ *несов. см.* **изленúться**.

ИЗЛЕНИ́ТЬСЯ *сов.* (*несов.* **изле́ниваться**) *разг.* дангаса бўлиб кетмоқ, ялқовланиб қолмоқ, танбаллашмоқ.

ИЗЛЁТ *м* энг юқори ҳолат (нуқта) ва ундан туша бошлаш, пасая бориш; **пу́ля на ~е** отилган ўқнинг энг юқори ҳолати ва ундан тушиш пайти.

ИЗЛЕЧЕ́НИ/Е *с* 1 даволаш, боқиш; даволаниш, боқизиш, муолажа; **находи́ться на ~и в го́спитале** госпиталда даволанмоқ; 2 тузалиш; касалдан туриш, соғайиш, даво (шифо) топиш; **по́лное ~е** батамом соғайиш, тузалиб кетиш.

ИЗЛЕ́ЧИВАТЬ *несов. см.* **излечи́ть**.

ИЗЛЕ́ЧИВА/ТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **излечи́ться**; 2 даваси бор бўлмоқ; тузалмоқ; **Боле́знь моя́ не из числа́ тех, кото́рые ~ются** (Тургенев) Менинг касалим тузаладиган касаллардан эмас (касалимнинг давоси йўқ); 3 *страд. от* **изле́чивать**.

ИЗЛЕ́ЧИМ/ЫЙ, -ая, -ое тузаладиган, соғаядиган, шифо топадиган, даволаб бўладиган, даваси бор (касал, яра); ~**ая боле́знь** тузаладиган (даваси бор) касаллик.

ИЗЛЕЧИ́ТЬ *сов.* (*несов.* **изле́чивать**) *кого-что книжн.* 1 даволаб тузатмоқ, соғайтирмоқ, тузатиб (соғайтириб) юбормоқ; 2 *перен. от чего* қутқармоқ, чиқармоқ, халос қилмоқ; ~ **от тоски́** ғам-ҳасратдан қутқармоқ.

ИЗЛЕЧИ́ТЬСЯ, -ечу́сь, -е́чишься *сов.* (*несов.* **изле́чиваться**) *от чего книжн.* 1 тузалмоқ, соғаймоқ, тузалиб (соғайиб) кетмоқ; даво (шифо) топмоқ; ~ **от маляри́и** малариядан (безгакдан) соғайиб кетмоқ; 2 *перен.* қутулмоқ, чиқмоқ, халос бўлмоқ; ~ **от поро́ков** иллатлардан халос бўлмоқ (қутулмоқ).

ИЗЛИВА/ТЬ *несов.* 1 *см.* **изли́ть**; 2 *перен. книжн.* ёғдирмоқ; таратмоқ, сочмоқ (нур, товуш, ҳид ҳақида); **гиаци́нты ~ли си́льный за́пах** сунбуллар муаттар ҳид сочарди; сунбулларнинг муаттар ҳиди анқиб турар эди.

ИЗЛИВА́ТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **изли́ться**; ~ **в благода́рностях** ташаккурлар айтмоқ; 2 *перен. книжн.* сочилмоқ, ёғмоқ, таркалмоқ, таралмоқ, анқимоқ.

ИЗЛИ́ТЬ, изолью́, изольёшь *сов.* (*несов.* **излива́ть**) *что книжн.* 1 *уст.* тўкмоқ, қуймоқ; тўкиб ташламоқ; ~ **пото́ки слёз** дув-дув кўз ёши тўкмоқ; кўз ёшини оқизмоқ; 2 *перен. книжн. что на кого-что* изҳор этмоқ, баён қилмоқ, билдирмоқ, тўкиб солмоқ; сочмоқ; ~ **тоску́** ғам-ҳасратини тўкиб солмоқ; ~ **гнев** ғазабини сочмоқ; ✦ ~ **ду́шу** *разг.* юрагини очмоқ, кўнглидагини айтмоқ, ёрилиб гапирмоқ.

ИЗЛИ́/ТЬСЯ, изолью́сь, изольёшься *сов.* (*несов.* **излива́ться**) 1 *уст.* тўкилмоқ, қуйилмоқ, оқмоқ; тўкилиб (оқиб) кетмоқ; ~**лись пото́ки слёз** кўз ёшлари дарё бўлиб оқди; 2 *перен. на кого-что* и *в чём* намоён бўлмоқ, кўринмоқ, сочилмоқ; **его́ гнев ~лся на всех окружа́ющих** қаҳр-ғазаби атрофдагиларга сочилди; қаҳр-ғазабини атрофдагиларга сочди; 3 *перен. книжн.* ёрилиб гапирмоқ, дилидагини айтмоқ, ҳис-туйғуларини изҳор қилмоқ, ичидагини айтиб юрагини бўшатмоқ, дилини ёзмоқ; ~**ться подру́ге** дугонасига дилидагини айтмоқ; ~**ться в выраже́ниях благода́рности** беҳад миннатдорчилик билдирмоқ.

ИЗЛИШ/ЕК *м, р.* **-шка** 1 керагидан ортиқ қисм, нарса, ортиқ, ортиқча; **прода́жа ~ков хле́ба госуда́рству** ғалланинг ортиқчасини давлатга сотмоқ; 2 керагидан ортиқ (кўп) нарса; ортиқча; ~**ек тепла́** ортиқча иссиқлик; ✦ **с ~ком** ортиғи билан, етиб ортади.

ИЗЛИШЕСТВ/О *с* 1 *уст.* ортиқчалик, керагидан ортиқлик, кўплик; 2 ортиқчалик, керагидан (эҳтиёждан) ортиқ ишлатиш, истеъмол қилиш, бебилиска харажат; ~**а в еде́** овқатни керагидан ортиқ ейиш, кўп (ортиқча) истеъмол қи-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лиш; **допуска́ть ~а** ортиқчаликларга (иқрофгарчиликка) йўл қўймоқ; **архитекту́рные ~а** архитектура (меъморчилик) ортиқчаликлари.

ИЗЛИШЕ́СТВОВАТЬ *несов. книжн.* ортиқчаликларга йўл қўймоқ, керагидан (эҳтиёждан) ортиқ ишлатмоқ, истеъмол қилмоқ; суиистеъмол (бебилиска сарф-харажат) қилмоқ.

ИЗЛИШН/ИЙ, -яя, -ее; -шен, -шня ортиқча, эҳтиёждан ортиқ; **~яя предосторо́жность** ортиқча эҳтиёткорлик; **~яя ро́скошь** ортиқча дабдаба, ортиқча ҳашам.

ИЗЛИЯ́НИ/Е *с* 1 *уст.* и *спец. по гл.* **изли́ться** 1; **ла́вовые ~я вулка́нов** вулкандан лаваларнинг отилиб чиқиши; 2 *мн.* **~я** *перен.* очиқ изҳор (ифода) қилиш, кўнгилдагини очиб айтиш, ёрилиб гапириш; **дру́жеские ~я** дўстона дардлашиш, дўстона дилкашлик.

ИЗЛО́ВИТЬ, -овлю́, -о́вишь *сов.* (*несов.* **изла́вливать**) *кого-что разг.* 1 тутмоқ, ушламоқ; тутиб (ушлаб) олмоқ, қўлга туширмоқ; **~ му́ху** пашшани тутиб олмоқ; **~ во́ра** ўғрини ушламоқ (тутмоқ); 2 *перен. на чём* оғзидан (гапидан) илинтирмоқ.

ИЗЛОВЧА́ТЬСЯ *несов. см.* **изловчи́ться.**

ИЗЛОВЧИ́/ТЬСЯ *сов.* (*несов.* **изловча́ться**) *разг.* эпчиллик (чаққонлик, усталик) қилмоқ; амалламоқ, эвини топмоқ, эпчиллик (усталик) қилиб, амаллаб (ёки фурсатдан фойдаланиб) иш битирмоқ; **~лся и уда́рил по мячу́** эпчиллик қилиб коптокни тепди(м); **Зи́на ~лась схвати́ть его́ [телёнка] за оше́йник** (Авдеев) Зинка чаққонлик қилиб, уни [бузоқни] бўйинбоғидан ушлаб олди.

ИЗЛОЖЕ́НИ/Е *с* 1 *по гл.* **изложи́ть — излага́ть; ~е су́ти де́ла** ишнинг асосий мазмунини (моҳиятини) айтиб бериш; 2 ифода тарзи, услуб, стиль; **литерату́рность ~я** баённинг (ифоданинг) адабийлиги; 3 баён, ҳикоя; **пи́сьменное ~е** ёзма баён; **кра́ткое ~е** қисқа баён.

ИЗЛОЖИ́ТЬ, -ожу́, -о́жишь *сов.* (*несов.* **излага́ть**) *что* баён (ҳикоя) қилмоқ, ифода этмоқ, айтиб бермоқ; **~ свою́ про́сьбу** ўз илтимосини баён қилмоқ; **вкра́тце ~ содержа́ние расска́за** ҳикоянинг мазмунини қисқача айтиб бермоқ; **~ своё мне́ние** ўз фикрини билдирмоқ (баён қилмоқ).

ИЗЛОЖНИЦА *ж спец.* изложница (металл қуйиладиган махсус қолип).

ИЗЛО́М *м* 1 *спец.* синиш, дарз кетиш; **испыта́ние мета́ллов на ~** металларнинг синишини синаш, металларни синдириб синаб кўриш; 2 синиқ; синган (синиқ) жой, дарз; 3 *спец.* металлнинг синиқдаги (синган жойдаги) тузилиши; **мелкозерни́стый ~** металлнинг синиқда майда донадор тузилганлиги; 4 *перен.* бурилиш, қайрилиш, муйилиш, қайрилма; **~ы реки́** дарёнинг бурилиш жойлари; 5 *перен.* характердаги кескин ўзгариш, нормадан четга чиқиш, бузилиш, айниш; **душе́вный ~** кескин руҳий ўзгариш.

ИЗЛО́МАННЫЙ, -ая, -ое 1 *прич. от* **изломи́ть**; 2 *в знач. прил.* синган, синдирилган, дарз кетган, синиқ; 3 *в знач. прил.* синиқ, зигзаг шаклидаги; **~ая ли́ния** синиқ чизиқ; 4 *в знач. прил.* ўткир учли, шикаста (ёзув ҳақида); 5 *перен. в знач. прил.* кескин ўзгарган, айниган, бузилган, табиий ҳолатини йўқотган, руҳи синган; **душе́вно ~ый челове́к** кўнгли синган киши, руҳи синган (эзилган) киши; 5 *перен. в знач. прил.* бузуқ (нутқ, талаффуз ҳақида).

ИЗЛОМА́ТЬ *сов.* (*несов.* **изла́мывать**) 1 *что* синдириб юбормоқ, синдириб ташламоқ; дабдала қилмоқ, дабдаласини чиқармоқ; **~ па́лку** калтакни синдириб ташламоқ; **~ игру́шку** ўйинчоқни синдириб юбормоқ; ўйинчоқни дабдала қилмоқ; 2 *перен. кого* беҳол қилиб қўймоқ, силласини қуритмоқ; 3 *перен. кого-что* бузмоқ, расво қилмоқ, издан чиқармоқ; **~ хара́ктер** характерини бузмоқ.

ИЗЛОМА́/ТЬСЯ *сов.* (*несов.* **изла́мываться**) 1 синмоқ, синиб кетмоқ, майда-майда (дабдала, чил-чил) бўлмоқ; дабдала қилмоқ; **игру́шка ~лась** ўйинчоқ дабдала бўлиб (синиб) кетди; 2 *перен. разг.* бузилмоқ, расво бўлмоқ; **она́ совсе́м ~лась** у расво бўлиб кетибди.

ИЗЛУПИ́ТЬ, -уплю́, -у́пишь *сов. кого прост.* яхшилаб урмоқ, дўппосламоқ.

ИЗЛУЧА́ТЕЛЬ *м физ.* нур (энергия, иссиқлик ва ҳ. к.) тарқатгич, тарқатувчи.

ИЗЛУЧА́/ТЬ *несов.* (*сов.* **излучи́ть**) *что* 1 нур сочмоқ, нурланмоқ; тарқатмоқ (нур, иссиқлик ва ш. к. ҳақида); **~ть свет** ёруғ (нур) сочмоқ; **со́лнце ~ет тепло́** қуёш иссиқлик тарқатади; 2 *перен.* ифодаламоқ, билдирмоқ, акс эттирмоқ; **его́ глаза́ ~ли ра́дость** унинг кўзлари шодлик билдирарди, унинг кўзларида шодлик аломатлари сезилиб турарди.

ИЗЛУЧА́ТЬСЯ *несов.* 1 (*сов.* **излучи́ться**) нурланмоқ, сочилмоқ (нур, иссиқлик ва ш. к. ҳақида); 2 *перен.* ифодаланмоқ, сезилиб турмоқ, акс этмоқ, кўриниб турмоқ; 3 *страд. от* **излуча́ть.**

ИЗЛУЧЕ́НИЕ *с по гл.* **излуча́ть** и **излуча́ться; тепловóе ~** иссиқлик тарқалиши; **радиоакти́вное ~** радиоактив нурланиш.

ИЗЛУ́ЧИНА *ж* бурилиш, қайрилиш, бурилган жой; **~ реки́** дарёнинг бурилган жойи (бурилиши).

ИЗЛУЧИ́ТЬ *сов. см.* **излуча́ть.**

ИЗЛУЧИ́ТЬСЯ *сов. см.* **излуча́ться** 1.

ИЗЛЮБИ́ТЬ, -юблю́, -ю́бишь *сов. кого-что уст.* севиб (яхши кўриб) қолмоқ; афзал кўрмоқ; кўз тагига олмоқ.

ИЗЛЮБЛЕ́ННЫЙ, -ая, -ое 1 *прич. от* **излюби́ть**; 2 *в знач. прил.* жондан севган, яхши кўрган, ёқтирган, ҳаммадан ортиқ (афзал) кўрган, кўнгилга (дидига) ёққан, севимли; **~ое заня́тие** севимли машғулот; **~ое выраже́ние** яхши кўрган ифода (ибора, таъбир, сўз).

ИЗМА́ЗАТЬ, -а́жу, -а́жешь *сов.* (*несов.* **изма́зывать**) 1 *кого-что разг.* суркаб ташламоқ, булғамоқ, ифлос (кир) қилмоқ; **~па́льцы черни́лами** қўлига сиёҳ суркаб ташламоқ, қўлини сиёҳ қилмоқ; 2 *что* суркаб (ишлатиб) тамом қилмоқ; **~ весь клей** ҳамма елимни суркаб тамом қилмоқ.

ИЗМА́ЗАТЬСЯ, -а́жусь, -а́жешься *сов.* (*несов.* **изма́зываться**) ҳамма ёғини булғамоқ, беламоқ, ҳамма ёғини ифлос қилмоқ; **~ в гли́не** лойга беланмоқ, ҳамма ёғини лой қилмоқ; 2 суркалиб (ишлатилиб) тамом бўлмоқ.

ИЗМА́ЗЫВАТЬ *несов. см.* **изма́зать.**

ИЗМА́ЗЫВАТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **изма́заться; 2** *страд. от* **изма́зывать.**

ИЗМА́ЛЫВАТЬ *несов. см.* **измоло́ть.**

ИЗМА́ЛЫВАТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **измоло́ться; 2** *страд. от* **изма́лывать.**

ИЗМАРА́ТЬ *сов. кого-что прост.* ҳамма ёғини кир (ифлос) қилмоқ, кирга беламоқ, булғамоқ, ботмоқ.

ИЗМАРА́ТЬСЯ *сов. прост.* ҳамма ёғини кир (ифлос) қилиб олмоқ, кирга беланмоқ, булғанмоқ.

ИЗМА́ТЫВАТЬ *несов. см.* **измота́ть.**

ИЗМА́ТЫВАТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **измота́ться; 2** *страд. от* **изма́тывать.**

ИЗМА́ЧИВАТЬ *несов. см.* **измочи́ть.**

ИЗМА́ЧИВАТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **измочи́ться; 2** *страд. от* **изма́чивать.**

ИЗМА́ЯТЬ *сов. кого-что прост.* чарчатмоқ, ҳоритмоқ, тинкасини (силласини) қуритмоқ, ҳолдан тойдирмоқ, жонини олмоқ.

ИЗМА́ЯТЬСЯ *сов. прост.* чарчамоқ, ҳоримоқ, ҳолдан тоймоқ, тинкаси (силласи) қуримоқ, миррасига тақалмоқ.

ИЗМЕЛЬЧА́НИЕ *с* 1 *по гл.* **измельча́ть I; ~ скота́** моллар майдалашуви.

ИЗМЕЛЬЧА/ТЬ I *сов.* 1 майдалашмоқ, кичраймоқ; айнимоқ; **скот ~л** моллар майдалашди; 2 саёзлашмоқ; **о́зеро ~ло** кўл саёзлашиб қолди; 3 *перен.* майдалашмоқ, бачканалашмоқ, юзакилашмоқ.

ИЗМЕЛЬЧА́ТЬ II *несов. см.* **измельчи́ть.**

ИЗМЕЛЬЧА́ТЬСЯ, -а́ется *несов.* 1 *см.* **измельчи́ться; 2** *страд. от* **измельча́ть II.**

ИЗМЕЛЬЧЕ́НИЕ *с по гл.* **измельчи́ть; ~ гру́бых кормо́в** дағал ем-хашакларни майдалаш.

ИЗМЕЛЬЧИ́ТЬ *сов.* (*несов.* **измельча́ть II**) *что* майдаламоқ, ушатмоқ, увоқламоқ, тўғрамоқ, қирқмоқ; **~ в порошо́к** кукун қилиб майдаламоқ, майдалаб кукунга айлантирмоқ.

ИЗМЕЛЬЧИ́ТЬСЯ, -и́тся *сов.* (*несов.* **измельча́ться**) майдаланмоқ, ушалмоқ, увоқланмоқ, тўғралмоқ.

ИЗМЕ́НА *ж* 1 хиёнат, хоинлик, сотқинлик; хиёнат (сотқинлик) қилиш; **~ ро́дине** ватанга хиёнат қилиш; **государ́ственная ~** давлатга хиёнат (хоинлик) қилиш; 2 айниш, қайтиш, юз ўгириш; **~ идеа́лам** ўз идеалларидан қайтиш; **~ дру́гу** дўстидан юз ўгириш; **~ до́лгу** бурчдан қайтиш;

www.ziyouz.com kutubxonasi

3 хиёнат, бевафолик, вафосизлик; **супру́жеская ~** вафосизлик, хиёнат (эр хотинига, хотини эрига).

ИЗМЕНЕ́НИ/Е *с* 1 ўзгариш; ўзгартиш; **~е направле́ния** йўналишни ўзгартиш; **~е ско́рости ве́тра** шамол тезлигининг ўзгариши; 2 янгилик, ўзгариш, тузатиш, тузатма; **внести́ ~я в прое́кт** проектга ўзгаришлар (тузатишлар) киритмоқ; **произошли́ ~я в соста́ве прави́тельства** ҳукумат составида ўзгаришлар содир бўлди; **с ~ями** ўзгартмалар билан; **без ~ий** ўзгаришсиз.

ИЗМЕНИ́ТЬ I, -еню́, -е́нишь *сов.* (*несов.* **изменя́ть I**) *кого-что* ўзгартмоқ, ўзгартирмоқ, ўзгаришлар киритмоқ, бошқача қилмоқ; **ве́тер измени́л направле́ние** шамол йўналишини ўзгартди; **~ констру́кцию самолёта** самолёт конструкциясини ўзгартирмоқ; **~ свою́ жизнь** ўз ҳаётини ўзгартирмоқ.

ИЗМЕНИ́/ТЬ II, -еню́, -е́нишь *сов.* (*несов.* **изменя́ть II**) 1 *кому-чему* хоинлик (сотқинлик) қилмоқ, хиёнат қилмоқ, сотмоқ; **~ть ро́дине** ватанга хиёнат қилмоқ; 2 *чему* айнимоқ, қайтмоқ, юз ўгирмоқ, бузмоқ; **~ть дру́жбе** дўстликдан айнимоқ (қайтмоқ); **~ть прися́ге** қасамёдини (онтини) бузмоқ; **~ть своему́ до́лгу** ўз бурчини унутмоқ; **~ть сло́ву** сўзидан қайтмоқ (айнимоқ, тонмоқ); **~ть убежде́ниям** ғоясидан қайтмоқ, фикридан воз кечмоқ; 3 *кому-чему* бевафолик (вафосизлик) қилмоқ; **~ть жене́** хотинига хиёнат қилмоқ; 4 *перен. кому-чему* кетмоқ, қочмоқ, юз ўгирмоқ; **си́лы ему́ ~ли** кучи кетди, кучдан қолди, дармони қуриди; **сча́стье ~ло ему́** омади кетди; ✦ **~ть себе́** ўз одатига (маслагига, эътиқодига ва ҳ. к.) қарши иш тутмоқ.

ИЗМЕНИ́/ТЬСЯ, -еню́сь, -е́нишься *сов.* (*несов.* **изменя́ться**) ўзгармоқ, ўзгариб қолмоқ (кетмоқ), бошқача бўлмоқ; **пого́да ~лась** ҳаво ўзгарди, ҳаво айниди; **всё ~лось к лу́чшему** ҳаммаси (ҳамма иш, нарса) яхши бўлди (яхши томонга ўзгарди); **~ться к ху́дшему** ёмонлашмоқ, ёмон томонга ўзгармоқ; ✦ **~ться в лице́** афти-башараси ўзгариб кетмоқ, оқариб (ранги ўчиб) кетмоқ.

ИЗМЕ́ННИК *м* хоин, сотқин, хиёнатчи, хиёнаткор; **~ ро́дины** ватан хоини, ватанфуруш.

ИЗМЕ́ННИЦА *ж см.* **изме́нник.**

ИЗМЕ́ННИЧЕСКИЙ, -ая, -ое хоинона, хоинларча; **~ посту́пок** хоинона иш, хоинона хатти-ҳаракат, хоинлик, сотқинлик.

ИЗМЕ́НЧИВОСТЬ *ж* 1 ўзгарувчанлик, ўзгариб туриш, беқарорлик, бетайинлик, қарори (тайини, субути) йўқлик, буқаламунлик; **~ температу́ры** температуранинг ўзгарувчанлиги; **~ настрое́ния** кайфиятнинг ўзгариб туриши; 2 *биол.* ўзгарувчанлик (организмларнинг муҳит таъсирида наслида бўлмаган шакллар ола билиш қобилияти).

ИЗМЕ́НЧИВ/ЫЙ, -ая, -ое ўзгарувчан, ўзгариб турадиган, беқарор, бетайин, қарори (тайини, субути) йўқ, айнама, буқаламун; **~ая пого́да** ўзгарувчан (ўзгариб турадиган) об-ҳаво.

ИЗМЕНЯЕМОСТЬ *ж* ўзгариш, турланиш; **~ существи́тельного по паде́жам** отларнинг келишик бўйича турланиши.

ИЗМЕНЯЕМЫ/Й, -ая, -ое 1 *прич. от* **изменя́ть**; 2 *в знач. прил.* ўзгарувчи, турланувчи; **~е ча́сти ре́чи** турланувчи сўз туркумлари; **~е величи́ны** ўзгарувчи миқдорлар.

ИЗМЕНЯ́ТЬ I *несов. см.* **измени́ть I.**

ИЗМЕНЯ/ТЬ II *несов. см.* **измени́ть II; е́сли па́мять мне не ~ет** агар эсимдан (хотиримдан) чиқмаган бўлса.

ИЗМЕНЯ́ТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **измени́ться**; 2 *страд. от* **изменя́ть I.**

ИЗМЕРЕ́НИ/Е *с* 1 ўлчаш; **~е температу́ры воды́** сув ҳароратини ўлчаш; **~е глубины́ океа́на** океан чуқурлигини ўлчаш; 2 *мат.* ўлчов; **три ~я** уч ўлчов (узунлик, кенглик, баландлик); **лине́йные ~я** узунлик ўлчовлари.

ИЗМЕ́РЗНУТЬ, -ну, -нешь; -мёрз, -ла *сов. прост.* қаттиқ совқотмоқ, совқотиб қолмоқ, совуқ еб кетмоқ.

ИЗМЕРИ́МОСТЬ *ж* ўлчаниши мумкинлик.

ИЗМЕРИ́М/ЫЙ, -ая, -ое ўлчанадиган, ўлчаб бўладиган, ўлчаниши мумкин бўлган; **~ая величина́** ўлчанадиган (ўлчаб бўладиган) миқдор.

ИЗМЕРИ́ТЕЛ/Ь *м* 1 ўлчагич, ўлчаш асбоби, ўлчайдиган асбоб; **~ь глубины́** чуқурлик ўлчагич; 2 ўлчов, мезон, кўрсаткич; **коли́чественные и ка́чественные ~и рабо́ты** ишнинг миқдор ва сифат кўрсаткичлари.

ИЗМЕРИ́ТЕЛЬНЫ/Й, -ая, -ое ўлчашга оид, ўлчайдиган; ўлчов...; ўлчаш...; **~е прибо́ры** ўлчов (ўлчаш) асбоблари, ўлчагичлар.

ИЗМЕ́РИТЬ *сов.* (*несов.* **измеря́ть**) *что* 1 ўлчамоқ, ўлчаб чиқмоқ, ўлчаб билмоқ (аниқламоқ); **~ температу́ру больно́го** беморнинг ҳароратини (иситмасини) ўлчамоқ; **~ толщину́ дета́ли** деталнинг қалинлигини ўлчамоқ; **~ шага́ми** қадамлаб ўлчамоқ; *~ что-л.* **арши́ном** газлаб (газ билан) ўлчамоқ; 2 *перен. книжн.* чамаламоқ, чамалаб кўрмоқ, билмоқ, кўнгилда баҳоламоқ; **~ глубину́ чу́вства** ички ҳиссиётлар даражасини кўнгилда баҳоламоқ; ✦ **~ взгля́дом** (или **взо́ром, глаза́ми**) бошдан оёқ қараб чиқмоқ, разм солмоқ.

ИЗМЕРЯ́ТЬ *несов. см.* **изме́рить.**

ИЗМЕРЯ/ТЬСЯ *несов.* ўлчанмоқ; **вре́мя ~ется мину́тами** вақт минутлар билан ўлчанади; 2 *страд. от* **измеря́ть.**

ИЗМОЖДЕ́НИЕ *с* дармони (тинка-мадори) қуриш, озиб-тўзиб кетиш, заифлашиш; беҳоллик, бедармонлик, бемадорлик.

ИЗМОЖДЕ́ННЫ/Й, -ая, -ое ҳолдан кетган, дармони (тинка-мадори) қуриган, озиб-тўзган, силласи қуриб қолган, ниҳоятда ориқ, заиф, беҳол, бедармон, бемадор, озғин; **~ое лицо́** озғин (сўлғин) юз, ориқ юз.

ИЗМОКА́ТЬ *несов. разг. см.* **измо́кнуть.**

ИЗМОК/НУТЬ *сов.* (*несов.* **измока́ть**) *разг.* бўкмоқ, ичичигача ҳўл бўлмоқ, ивиб (ҳўл бўлиб) кетмоқ; шилта-шалаббо бўлмоқ; **я весь ~ под дождём** ёмғирда қолиб ивиб кетдим.

ИЗМОЛО́ТЬ, -мелю́, -ме́лешь *сов.* (*несов.* **изма́лывать**) батамом тортиб (ун қилиб) бўлмоқ, тортиб олмоқ, тортиб қўймоқ.

ИЗМОЛО́ТЬСЯ, -ме́лется *сов.* (*несов.* **изма́лываться**) батамом тортилиб (ун қилиниб) бўлмоқ, тортиб олинмоқ, тортиб қўйилмоқ.

ИЗМО́Р *м:* **взять (брать) ~ом** (или **на ~**) *кого-что* 1) тинкасини қуритиб қўлга олмоқ, таслим бўлишга мажбур этмоқ, енгмоқ; 2) *перен. разг.* ҳол-жонига қўймай кўндирмоқ, ундирмоқ.

ИЗМО́РОЗЬ *ж* 1 булдуруқ; 2 совуқ нам ҳаво.

ИЗМОРО́СЬ *ж* шивалаб ёққан майда ёмғир; **осе́нняя ~** кузги майда ёмғир.

ИЗМОТА́ТЬ *сов.* (*несов.* **изма́тывать**) *кого-что разг.* қаттиқ (роса) чарчатмоқ, ҳоритмоқ, тинкасини қуритмоқ, ҳолдан тойдирмоқ, суробини тўғриламоқ; **~ проти́вника** душманнинг тинкасини қуритмоқ, ёвни ҳолдан тойдирмоқ; **~ не́рвы** асабига тегиб чарчатмоқ, жонига тегмоқ; тинкасини қуритмоқ, қаттиқ асабийлаштирмоқ.

ИЗМОТА/ТЬСЯ *сов.* (*несов.* **изма́тываться**) қаттиқ (роса) чарчамоқ, ҳоримоқ, тинкаси қуримоқ, ҳолдан тоймоқ (кетмоқ); суроби тўғри бўлмоқ; **~лся за́ день** куни бўйи роса чарчади(м).

ИЗМОЧА́ЛЕННЫЙ, -ая, -ое 1 *прич. от* **измоча́лить**; 2 *в знач. прил.* чарчаган, ҳолдан тойган, тинкаси қуриган.

ИЗМОЧА́ЛИВАТЬ *несов. см.* **измоча́лить.**

ИЗМОЧА́ЛИВАТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **измоча́литься**; 2 *страд. от* **измоча́ливать.**

ИЗМОЧА́ЛИТЬ *сов.* (*несов.* **измоча́ливать**) *разг.* 1 *что* титмоқ, титиб ташламоқ, тит-питини (титиғини, шалоғини) чиқариб юбормоқ; 2 *перен.* қаттиқ чарчатмоқ, ҳоритмоқ, тинкасини қуритмоқ.

ИЗМОЧА́ЛИТЬСЯ *сов.* (*несов.* **измоча́ливаться**) *разг.* 1 титилмоқ, титилиб (титиғи, шалоғи чиқиб) кетмоқ; 2 *перен.* қаттиқ чарчамоқ, ҳолдан тоймоқ, тинкаси қуримоқ, сўлоғи ўйнамоқ.

ИЗМОЧИ́ТЬ *сов.* (*несов.* **изма́чивать**) *что прост.* ҳўлламоқ, ҳўл қилиб юбормоқ.

ИЗМОЧИ́ТЬСЯ *сов.* (*несов.* **изма́чиваться**) *прост.* ҳўл бўлмоқ, ҳўл бўлиб кетмоқ.

ИЗМУ́ЧЕННЫЙ, -ая, -ое 1 *прич. от* **измо́чить**; 2 *в знач. прил.* жуда чарчаган, ҳорғин, сўлғин; **у него́ ~ вид** у кўринишидан жуда чарчаган; у жуда ҳорғин кўринади; унинг чеҳраси ҳорғин (сўлғин).

ИЗМУ́ЧИВАТЬ *несов. см.* **измо́чить.**

ИЗМУ́ЧИВАТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **измо́читься**; 2 *страд. от* **измо́чивать.**

www.ziyouz.com kutubxonasi

ИЗМУ́ЧИ/ТЬ *сов.* (*несов.* **изму́чивать**) *кого* **1** қаттиқ қийнамоқ (азоб бермоқ, азобламоқ); қийнайвериб адо қилмоқ, жонини олмоқ, ўлар ҳолатга етказмоқ; **2** жонига тегмоқ, жонидан безор қилмоқ, чарчатмоқ, тинкасини қуритмоқ, ҳолдан тойдирмоқ, қийнаб ташламоқ (юбормоқ); **храп сосе́да ~л его́** қўшнисининг хурраги унинг жонига тегди; **жара́ ~ла нас** иссиқ тинкамизни қуритди.

ИЗМУ́ЧИТЬСЯ *сов.* (*несов.* **изму́чиваться**) қаттиқ қийналмоқ, азоб тортмоқ, қийналиб кетмоқ, ҳолдан тоймоқ, тинкаси қуримоқ.

ИЗМЫВА́ТЬСЯ *несов. над кем-чем разг. то же, что* **издева́ться.**

ИЗМЫ́ЗГАННЫЙ, -ая, -ое *прост.* **1** *прич. от* **измы́згать**; **2** *в знач. прил.* кир (ифлос, яғир) бўлиб кетган; тақири чиққан; **~ пол** ифлос бўлиб кетган пол; **~ тулу́п** тақири чиққан пўстин.

ИЗМЫ́ЗГАТЬ *сов.* (*несов.* **измы́згивать**) *что прост.* кир (ифлос, яғир) қилиб юбормоқ, яғирини чиқармоқ; тақирини чиқармоқ.

ИЗМЫ́ЗГАТЬСЯ *сов. прост.* кир (ифлос, яғир) бўлиб кетмоқ; яғири чиқмоқ; тақири чиқмоқ.

ИЗМЫ́ЗГИВАТЬ *несов. см.* **измы́згать.**

ИЗМЫ́ЛИВАТЬ *несов. см.* **измы́лить.**

ИЗМЫ́ЛИВАТЬСЯ, -ается *несов.* **1** *см.* **измы́литься**; **2** *страд. от* **измы́ливать.**

ИЗМЫ́ЛИТЬ *сов.* (*несов.* **измы́ливать**) *что разг.* ювиб (ишлатиб) тамомламоқ (совунни); **~ кусо́к мы́ла** бир бўлак совунни ишлатиб (ювиб) тамомламоқ.

ИЗМЫ́ЛИ/ТЬСЯ, -ится *сов.* (*несов.* **измы́ливаться**) *разг.* ювилиб (ишлатилиб) тамом бўлмоқ, ишлатилиб кетмоқ (совун ҳақида); **мы́ло ~лось** совун тамом бўлди (ишлатилиб кетди).

ИЗМЫ́СЛИТЬ *сов.* (*несов.* **измышля́ть**) *что* **1** тўқимоқ, ўйдирмоқ, ўйлаб чиқармоқ; **~ небыли́цу** бўлмагур гапларни тўқимоқ; **2** ўйлаб топмоқ.

ИЗМЫ́ШЛЕНИ/Е *с* **1** *по гл.* **измы́слить — измышля́ть**; **~е ло́жных обвине́ний** ссхта айблар тўқиб чиқариш; **2** ўйдирма, ёлғон-яшиқ, бўҳтон, тўқилган гап; **гну́сные ~я** қабиҳ ўйдирмалар.

ИЗМЫ́ШЛЯТЬ *несов. см.* **измы́слить.**

ИЗМЯ́Т/ЫЙ, -ая, -ое **1** *прич. от* **изма́ть**; **2** *в знач. прил.* мижғалоқ, ғижим, буришиқ; ўйдим-чуқур, пачоқ-сачоқ; **~ое пла́тье** мижғалоқ кўйлак; **~ый конве́рт** ғижим (бўлиб кетган) конверт; **3** *перен.* чарчоқ, сўлғин, ҳорғин; **Уста́лые лаке́и с ~ыми, жёлтыми ли́цами туши́ли ла́мпы** (Куприн) Чарчаган, сўлғин, сариқ юзли хизматкорлар чироқларни ўчирарди.

ИЗМЯ́ТЬ, изомну́, изомнёшь *сов. что* **1** ғижимламоқ, эзмоқ, мижғалоқ қилмоқ, ғижимлаб ташламоқ; **~ пла́тье** кўйлакни ғижим қилмоқ (эзмоқ, мижғалоқ қилиб юбормоқ); **2** эзмоқ, уйдим-чуқур (пачоқ-сачоқ) қилиб юбормоқ, **3** босиб ташламоқ, пайҳон (оёқ ости) қилмоқ; **~траву́** ўтни босиб ташламоқ.

ИЗМЯ́/ТЬСЯ, изомнётся *сов.* ғижимланмоқ, эзилмоқ, бурушмоқ, мижғалоқ бўлиб кетмоқ; **пла́тье ~лось** кўйлак ғижимланди (ғижим бўлди, мижғалоқ бўлиб кетди).

ИЗНА́НК/А *ж* **1** тескари томон, ич томон, орқа, астар; **~а ткани́** газламанинг ич томони; **вы́вернуть ~ой** тескарисини ағдармоқ; **2** *перен. разг.* воқеа-ҳодиса ва ш. к. нинг яширин томони, тагидаги (замиридаги) туб сабаби; **~а событи́й** воқеаларнинг яширин томони, воқеаларнинг замиридаги туб сабаби.

ИЗНА́НОЧНЫЙ, -ая, -ое *прил. от* **изна́нка** ич томонига, астарга оид; астарлик, астарбоп.

ИЗНАСИ́ЛОВАНИЕ *с по гл.* **изнаси́ловать.**

ИЗНАСИ́ЛОВАТЬ *сов. кого* **1** зўрламоқ, номусига тегмоқ; **2** зўрламоқ, ундамоқ, зўрлаб (мажбур қилиб) ишлатмоқ, бирор иш қилдирмоқ.

ИЗНА́ЧАЛА *нареч. уст.* аввал бошдан, аввалдан, илгаридан, азалдан.

ИЗНА́ЧАЛЬНОСТЬ *ж книжн.* қадимдан мавжудлик, азалдан борлик, азалийлик.

ИЗНА́ЧАЛЬНЫЙ, -ая, -ое; -лен, -льна *книжн.* азалдан бор (бўлган), қадимдан мавжуд, азалий.

ИЗНАШИВАЕМОСТ/Ь *ж спец.* ейилиш даражаси, қанчалик (озми-кўпми) ейилиш, тўзиш, эскириш, **уменьше́ние ~и механи́змов** механизмларнинг ейилиш даражасини (ейилишини) камайтириш.

ИЗНАШИВА́НИЕ *с по гл.* **изна́шивать** и **изна́шиваться**; **~ органи́зма** организмнинг чарчаши, барвақт қартайиши, ишдан чиқиши.

ИЗНА́ШИВАТЬ *несов. см.* **износи́ть.**

ИЗНА́ШИВАТЬСЯ *несов.* **1** *см.* **износи́ться**; **2** *страд. от* **изна́шивать.**

ИЗНЕ́ЖЕННОСТЬ *ж* эркалик, нозиклик, нозиктабиатлик, тантиқлик.

ИЗНЕ́ЖЕННЫЙ, -ая, -ое **1** *прич. от* **изне́жить**; **2** *в знач. прил.* пахпахлаб ўстирилган, нозик (ипакойим) қилиб юборилган, нозик, эрка, ипакойим; **~ ребёнок** нозик бола; **3** *перен. в знач. прил.* табиати нозик, нозиктабиат.

ИЗНЕ́ЖИВАТЬ *несов. см.* **изне́жить.**

ИЗНЕ́ЖИВАТЬСЯ *несов.* **1** *см.* **изне́житься**; **2** *страд. от* **изне́живать.**

ИЗНЕ́ЖИТЬ *сов.* (*несов.* **изне́живать**) *кого* пахпахлаб ўстирмоқ, нозик (эрка, ипакойим) қилиб юбормоқ; **~ ребёнка** болани пахпахлаб (эрка қилиб) ўстирмоқ.

ИЗНЕ́ЖИТЬСЯ *сов.* (*несов.* **изне́живаться**) нозик (эрка, ипакойим) бўлиб ўсмоқ, нозик (эрка) бўлиб кетмоқ.

ИЗНЕМО́ГАТЬ *несов. см.* **изнемо́чь.**

ИЗНЕМО́ЖЕНИ/Е *с* ҳоли-жони қолмай чарчаш, тинкаси қуриш, сулайиш, лоҳас бўлиш, лоҳаслик; **рабо́тать до ~я** ҳоли-жони қолмай чарчагунча ишламоқ; **довести́ до ~я** тинкасини қуритмоқ, обдан чарчатмоқ; **быть в ~и** ҳоли-жони қолмай чарчамоқ.

ИЗНЕМО́ЧЬ, -огу́, -о́жешь, -о́гут; -о́г, -ла́ *сов.* (*несов.* **изнемога́ть**) ҳоли-жони қолмай чарчамоқ, тинкаси қуримоқ, ҳолдан кетмоқ, сулаймоқ, лоҳас бўлмоқ; **~ от жары́** иссиқдан лоҳас бўлмоқ.

ИЗНЕ́РВНИЧА/ТЬСЯ *сов. разг.* жуда ҳам асабийлашиб кетмоқ, жиғибийрон бўлмоқ, тажанг бўлиб қолмоқ.

ИЗНИЧТО́ЖАТЬ *несов. см.* **изничто́жить.**

ИЗНИЧТО́ЖАТЬСЯ, -а́ется *несов.* **1** *см.* **изничто́житься**; **2** *страд. от* **изничтожа́ть.**

ИЗНИЧТО́ЖИТЬ *сов.* (*несов.* **изничтожа́ть**) *кого-что прост.* батамом йўқ қилмоқ, йўқ қилиб юбормоқ, қириб ташламоқ, маҳв этмоқ, йўқотмоқ.

ИЗНИЧТО́ЖИТЬСЯ, -ится *сов.* (*несов.* **изничтожа́ться**) *прост.* батамом йўқ бўлмоқ, йўқ бўлиб кетмоқ, қирилмоқ, қирилиб битмоқ, маҳв бўлмоқ.

ИЗНОС *м спец.* ейилиш, ейилиб кетиш; сийқаланиш; эскириш, тўзиш; **~ обору́дования** асбоб-ускуналарнинг эскириши; **испыта́ние на ~** ейилишини синаш; **✦ до ~у (~а)** тўзгунча, эскиргунча; **не знать ~у (~а)** сира эскирмаслик (тўзмаслик, йиртилмаслик); пишиқ-пухталик; **нет ~у (~а)** *чему* эскирмайди, йиртилмайди; **э́тому костю́му нет ~а** бу костюм сира эскирмайди.

ИЗНОСИ́ТЬ, -ошу́, -о́сишь *сов.* (*несов.* **изна́шивать**) *что* кияверіб эскирмоқ; кияверіб йиртмоқ (тўзитмоқ, тамом қилмоқ); **~ о́бувь** оёқ кийимни эскиртмоқ; **~ пла́тье** кўйлакни кияверіб эскиртмоқ.

ИЗНОСИ́/ТЬСЯ, -о́сится *сов.* (*несов.* **изна́шиваться**) **1** эскирмоқ, йиртилмоқ, тўзмоқ; кўп ишлатилиб (тутилиб ёки кийилиб) ишдан чиқмоқ; **о́бувь ~лась** пойабзал эскириб кетди (кетибди); **2** *спец.* ейилмоқ, ейилиб кетмоқ; **шестерни́ ~лись** шестерналар ейилиб кетипти; **3** *перен. разг.* барвақт кексаймоқ, қартаймоқ, қувватдан кетмоқ; **преждевре́менно ~вшийся челове́к** барвақт қартайиб қолган одам.

ИЗНОСОУСТОЙЧИВОСТЬ *ж* ейилмаслик, кам ейилиш; чидамлилик; **~ ткане́й** газмолларнинг чидамлилиги; **~ дета́лей** деталларнинг ейилмаслиги (кам ейилиши).

ИЗНОСОУСТОЙЧИВЫ/Й, -ая, -ое ейилмайдиган, тез ейилиб кетмайдиган, чидамли, пишиқ-пухта; **~й материа́л** чидамли (пишиқ-пухта) материал; **~е ста́ли** ейилмайдиган пўлатлар.

ИЗНО́ШЕНН/ЫЙ, -ая, -ое **1** *прич. от* **износи́ть**; **2** *в знач. прил.* эскирган, тўзган, эскириб ишдан чиққан; **~ое пла́тье** эскириб кетган кўйлак; **3** *в знач. прил. спец.* ейилган, ейилиб кетган, ейилиб ишдан чиққан; **~ое обору́дование** ейилиб ишдан чиққан ускуналар; **3** *перен. в знач. прил. разг.* барвақт қариган, қартайиб қолган, кексайган; **~ый организ́м** барвақт ишдан чиққан организм.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ИЗНУРЕ́НИ/Е *с* 1 *по гл.* **изнури́ть — изнуря́ть; ~е непоси́льным трудо́м** оғир меҳнат билан ҳолдан тойдириш; 2 ҳолдан тойиш, озиб-тўзиш; беҳоллик, бемажоллик; **дойти́ до по́лного ~я** бутунлай ҳолдан тоймоқ, озиб-тўзиб кетмоқ, беҳол (бемажол) бўлиб қолмоқ.

ИЗНУРЕ́ННОСТЬ *ж то же, что* **изнуре́ние** 2.

ИЗНУРЕ́ННЫЙ, -ая, -ое 1 *прич. от* **изнури́ть**; 2 *в знач. прил.* ҳолдан тойган, озиб тўзган, сўппайган, беҳол, бемажол, даққи; **~ вид** беҳол кўриниш, сўппайиб қолган чеҳра.

ИЗНУРИТЕ́ЛЬНОСТЬ *ж* жуда оғирлик, машаққатлилик.

ИЗНУРИТЕ́ЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое; -лен, -льна жуда оғир, машаққатли, чарчатадиган, тинка-мадорни қуритадиган, куч-қувватни оладиган; ҳолдан тойдирадиган; **~ая боле́знь** тинка-мадорни қуритадиган (куч-қувватни оладиган) касаллик; **~ый труд** жуда оғир (машаққатли) меҳнат.

ИЗНУРИ́/ТЬ *сов.* (*несов.* **изнуря́ть**) *кого-что* қаттиқ чарчатмоқ, куч-қувватни олмоқ, тинка-мадорни қуритмоқ, ҳолдан тойдирмоқ, беҳол (бемажол) қилмоқ; **боле́знь ~ла его́** касаллик унинг тинка-мадорини қуритиб юборди.

ИЗНУРИ́ТЬСЯ *сов.* (*несов.* **изнуря́ться**), қаттиқ чарчамоқ, ҳолдан тоймоқ, тинка-мадори қуримоқ, беҳол (бемажол) бўлиб қолмоқ, озиб-тўзиб кетмоқ.

ИЗНУРЯ́ТЬ *несов. см.* **изнури́ть**.

ИЗНУРЯ́ТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **изнури́ться**; 2 *страд. от* **изнуря́ть**.

ИЗНУТРИ́ *нареч.* ичдан, ичкаридан, ички томондан; **запере́ть дверь ~** эшикни ичидан қулфламоқ.

ИЗНЫВА́ТЬ *несов.* 1 *см.* **изны́ть**; 2 *то же, что* **изнемога́ть**; **~ от жары́** иссиқдан лоҳас тортмоқ; **~ от ску́ки** зерикиб диққат бўлмоқ (диққати ошмоқ).

ИЗНЫ/ТЬ *сов.* (*несов.* **изнывА́ть**) азоб чекмоқ, қийналмоқ, сиқилмоқ, сиқилиб кетмоқ; **се́рдце ~ло** юраги сиқилиб кетди; **душа́ ~ла** жони қийналиб кетди.

ИЗО *см.* **из**; **~ рта** оғиздан; **~ всей си́лы** бор кучи билан, кучи борича.

ИЗО- *см.* **из-**.

ИЗОБА́РА *ж спец.* изобара (1 хариталарда: атмосфера босими бир хил бўлган жойларни бирлаштирувчи чизиқлар; 2 иссиқлик ҳодисалари диаграммаларида: ўзгармас босим остида содир бўладиган боғланишларни тасвирловчи чизиқлар).

ИЗОБАРИ́ЧЕСКИЙ, -ая, -ое *спец.* изобарага оид, изобарик; изобара...

ИЗОБА́ТА *ж спец.* изобата (хариталарда: денгиз, дарё, кўл чуқурлиги бирдай бўлган жойларни бирлаштирувчи чизиқлар).

ИЗОБИДЕ́ТЬ, -и́жу, -и́дишь *сов. кого-что прост.* қаттиқ хафа қилмоқ, ранжитмоқ.

ИЗОБИДЕ́ТЬСЯ, -и́жусь, -и́дишься *сов.* қаттиқ хафа бўлмоқ, ранжитмоқ.

ИЗОБИ́ЛИ/Е *с* 1 мўллик, мўл-кўллик, мўлчилик, сероблик, серобгарчилик, тўкин-сочинлик, барака; **~е това́ров** товарларнинг мўллиги; **в ~и** жуда кўп, мўл, сероб; тўкинчилиқда; 2 фаровон ҳаёт, фаровонлик, маъмурчилик, тўқчилик; **✦ как из ро́га ~я** *см.* **рог**.

ИЗОБИЛ/ОВАТЬ, -лует *несов. кем-чем* бой (сероб, мўл-кўл) бўлмоқ, тўлиб-тошиб ётмоқ, жуда кўп бўлмоқ; **леса́ ~уют ди́чью** ўрмонда илвасин мўл; **река́ ~ует ры́бой** дарёда балиқ жуда кўп.

ИЗОБИ́ЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое; -лен, -льна *книжн.* 1 жуда кўп, мўл-кўл, сероб; фаровон; **~ая расти́тельность** жуда кўп (зич) ўсимлик; 2 *кем-чем* бой; **~ая леса́ми земля́** ўрмонларга бой ер.

ИЗОБЛИЧА/ТЬ *несов.* 1 *см.* **изобличи́ть**; 2 *кого-что в ком-чём* кўрсатмоқ, кўрсатиб турмоқ, далолат бермоқ; **всё ~ло в нём охо́тника** ҳамма нарса унинг овчилигидан далолат бериб (овчилигини кўрсатиб) турарди.

ИЗОБЛИЧЕ́НИЕ *с по гл.* **изобличи́ть — изобличА́ть**; **~ престу́пника** жиноятчини фош қилиш.

ИЗОБЛИ́ЧИТЕЛЬ *м книжн.* ошкор (фош, маълум) қилувчи, очиб ташловчи; **~ поро́ков** нуқсонларни фош қилувчи.

ИЗОБЛИ́ЧИТЕЛЬНИЦА *ж книжн. см.* **изобли́читель**.

ИЗОБЛИ́ЧИТЕЛЬН/ЫЙ **-ая, -ое** *книжн.* фош қиладиган, очиб берадиган (ташлайдиган), ошкора қиладиган; **~ое письмо́** фош қилувчи хат.

ИЗОБЛИЧИ́ТЬ *сов.* (*несов.* **изобличА́ть**) *кого-что в чём книжн.* айбини (башарасини ва ҳ. к.) очмоқ, ошкор (фош) қилмоқ, очиб ташламоқ; **~ врага́** душманни фош қилмоқ; **~ во лжи** ёлғончиликда айбламоқ, ёлғончилигини ошкор қилмоқ.

ИЗОБРАЖА/ТЬ *несов.* 1 *см.* **изобрази́ть**; 2 акс эттирмоқ, кўрсатмоқ, ифода этмоқ; **карти́на ~ла охо́тника**, расмда овчи акс эттирилган эди; 3 кўринишда бўлмоқ, -дан иборат бўлмоқ; **Вме́сто прямо́й ли́нии наш путь ~л собо́ю зигза́ги** (Арсеньев) Йўлимиз тўғри бўлмай, зигзагдан иборат эди; 4 *разг.* ўзини ... қилиб кўрсатмоқ; **~ть из себя́ у́мника** ўзини ақлли қилиб кўрсатмоқ.

ИЗОБРАЖА́ТЬСЯ, -а́ется *несов.* 1 *см.* **изобрази́ться**; 2 *страд. от* **изображА́ть**.

ИЗОБРАЖЕ́НИЕ *с* 1 *по гл.* **изобрази́ть — изображА́ть** и **изобрази́ться — изображА́ться**; **~ действи́тельности** воқеликни тасвирлаш; 2 тасвир, сурат, расм, шакл; **ги́псовое ~** гипс тасвир; **графи́ческое ~** график тасвир.

ИЗОБРАЗИТЕЛЬНЫ/Й, -ая, -ое; -лен, -льна тасвирий, яққол тасвирлаш (кўрсатиш) учун хизмат қиладиган, ёрдам берадиган; **~е сре́дства** тасвирий воситалар, тасвир воситалари; **~е иску́сства** тасвирий санъат(лар).

ИЗОБРАЗИ́/ТЬ, -ажу́, -ази́шь *сов.* (*несов.* **изображА́ть**) 1 *кого-что* тасвирламоқ, тасвир этмоқ; **в расска́зе изображён молодо́й учёный** ҳикояда ёш олим тасвирланган; **худо́жник ~л зна́тного механиза́тора** рассом машҳур механизаторни тасвирлаган; 2 *кого-что* саҳнада кўрсатмоқ, ...бўлиб чиқмоқ, образини яратмоқ; **актёр ~л на сце́не отставно́го генера́ла** актёр саҳнада истеъфодаги генерал бўлиб чиқди (образини яратди); 3 *кого-что* тақлид қилмоқ, кўрсатмоқ; **он ~л, как ты поёшь** у сенинг қандай ашула айтганингни кўрсатди; 4 *что уст.* акс эттирмоқ, ифода этмоқ, билдирмоқ; **его́ лицо́ ~ло трево́гу** унинг чеҳраси ҳавотирлигини акс эттириб турарди; унинг юзида хавотирлик акс этиб турарди.

ИЗОБРАЗИ́/ТЬСЯ, -и́тся *сов.* (*несов.* **изображА́ться**) кўринмоқ, билинмоқ, намоён бўлмоқ, акс этмоқ; ўз ифодасини топмоқ; **на его́ лице́ ~лось удивле́ние** унинг юзида ҳайратланиш аломатлари сезиларди (кўриниб турарди).

ИЗОБРЕ/СТИ, -ету́, -етёшь *сов.* (*несов.* **изобрета́ть**) *что* 1 ихтиро қилмоқ, ижод этмоқ; **~сти́ но́вый стано́к** янги станок ихтиро қилмоқ; 2 *разг.* ўйлаб топмоқ, ўйлаб чиқармоқ; **не беспоко́йся, мы что-нибу́дь ~тём** ташвиш қилма, бирор йўлини ўйлаб топармиз (бирор иложини қилармиз).

ИЗОБРЕТА́ТЕЛЬ *м* ихтирочи; **А. Попо́в — ~ ра́дио** А. Попов — радионинг ихтирочиси.

ИЗОБРЕТА́ТЕЛЬНИЦА *ж см.* **изобрета́тель**.

ИЗОБРЕТА́ТЕЛЬНОСТЬ *ж* топқирлик, топағонлик, дарров ўйлаб топиш, ижодкорлик, тадбиркорлик.

ИЗОБРЕТА́ТЕЛЬНЫЙ, -ая, -ое; -лен, -льна топқир, топағон, дарров ўйлаб топадиган, ихтиро қиладиган; ижодкор, тадбиркор; **~ челове́к** топқир одам, тадбиркор одам; **~ ум** топқир ақл-идрок.

ИЗОБРЕТА́ТЕЛЬСК/ИЙ, -ая, -ое ихтирочига ва ихтирочиликка оид; ихтирочилик...; ихтиро...; **~ое пра́во** ихтирочи ҳуқуқи; **~ие спосо́бности** ихтирочилик қобилияти.

ИЗОБРЕТА́ТЕЛЬСТВО *с* ихтирочилик; **ма́ссовое ~** оммавий ихтирочилик.

ИЗОБРЕСТА́ТЬ *несов. см.* **изобрести́**.

ИЗОБРЕТЕ́НИЕ *с* 1 *по гл.* **изобрести́ — изобрета́ть**; **~ телеви́дения** телевидениенинг ихтиро қилиниши; 2 ихтиро; 3 *разг.* уйдирма, тўқима, ўйлаб чиқарилган нарса (иш, гап ва ҳ. к.).

ИЗОГЛО́ССА *ж. лингв.* изоглосса (лингвистик харитада: тил хусусиятлари бир хил бўлган аҳоли пунктларини бирлаштирувчи чизиқлар).

ИЗОГНУТОСТЬ *ж* эгилганлик, букилганлик, букиклик, эгрилик.

ИЗОГНУТ/ЫЙ, -ая, -ое 1 *прич. от* **изогну́ть**; 2 *в знач. прил.* эгилган, букилган; қайрилган; эгик, букик, қайрилма, эгри-бугри; **~ая ли́ния** эгри (ёки эгри-бугри) чизиқ.

ИЗОГНУ́ТЬ *сов.* (*несов.* **изгиба́ть**) *кого-что* эгмоқ, букмоқ, қайирмоқ; **букчайтирмоқ; ~спи́ну** қаддини букмоқ, **қаддини букчайтирмоқ.**

www.ziyouz.com kutubxonasi

ИЗОГНУ́ТЬСЯ *сов.* (*несов* **изгиба́ться**) эгилмоқ, букилмоқ, қайрилмоқ, букчаймоқ, майишмоқ.

ИЗОДРА́ТЬ, издеру́, издерёшь *сов.* (*несов.* **издира́ть**) *что разг.* йиртмоқ, титиб ташламоқ, парча-парча (пора-пора, тилка-тилка) қилмоқ, увадасини (тилка-порасини) чиқармоқ; ~ **в кло́чья** парча-парча қилиб йиртиб ташламоқ, тилка-пора қилмоқ; 2 яра-чақа қилмоқ, тимдалаб (юмдалаб) ташламоқ.

ИЗОДРА́ТЬСЯ, издеру́сь, издерёшься *сов.* (*несов.* **издира́ться**) *разг.* 1 йиртилиб кетмоқ, йиртилиб парча-парча (пора-пора, тилка-пора) бўлмоқ, тилка-пораси чиқмоқ; 2 яра-чақа бўлмоқ, ҳамма ёғи тимдаланиб (юлиниб) кетмоқ.

ИЗОЙТИ́, -йду́, -йдёшь; изошёл, изошла́ *сов.* (*несов.* **исходи́ть III**) *чем* (қони кетиб, ёш тўкиб, йиғлаб, жавраб ва ҳ. к. натижада) ҳолдан кетмоқ, мадори қуримоқ; ~ **слеза́ми** йиғлайвериб (кўз ёши тўкиб) мадори қуримоқ; ~ **кро́вью** қон кўп кетиб ҳолдан тоймоқ, қонсираб қолмоқ.

ИЗОЛГА́/ТЬСЯ, -лгу́сь, -лжёшься *сов.* ёлғонни кўп гапирмоқ, алдайвериб ёлғончиликка ўрганмоқ, ёлғончи бўлиб кетмоқ (қолмоқ); **он ~лся** у жуда (ғирт) ёлғончи бўлиб қолди.

ИЗОЛИ́НИИ *мн.* (*ед.* **изоли́ния** *ж*) изолиния, изо чизиқлар (хариталарда: температура, босим, намлик ва ҳ. к. бир хил бўлган жойларни бирлаштирувчи чизиқлар).

ИЗОЛИ́РОВАНИЕ *с по гл.* **изоли́ровать; ~ больны́х** беморларни изоляциялаш; ~ **проводо́в** симларни изоляциялаш.

ИЗОЛИ́РОВАННО *нареч.* айрим ҳолда, ажратиб, алоҳида, бошқа-бошқа, ўзаро боғламасдан; ~ **от други́х** бошқалардан ажралган ҳолда; бошқалардан ажратиб; **жить ~** алоҳида (бўлак) яшамоқ.

ИЗОЛИ́РОВАННОСТЬ *ж* 1 алоҳидалик, яккалик, ажраланганлик; 2 *тех.* изоляцияланганлик; ~ **проводо́в** симларнинг изоляцияланганлиги.

ИЗОЛИ́РОВАНН/ЫЙ, -ая, -ое 1 *прич. от* **изоли́ровать; 2** *в знач. прил.* алоҳида, холис; ~**ая ко́мната** алоҳида (айрим) хона; 3 *в знач. прил.* айрим, ажралган, ажратиб олинган, ажралиб қолган; боғланишсиз; ~**ые явле́ния** айрим (ўзаро боғланишсиз) ҳодисалар; 4 *в знач. прил. тех.* изоляцияланган; ~**ые провода́** изоляцияланган симлар.

ИЗОЛИ́РОВАТЬ *сов.* и *несов.* 1 *кого-что* айирмоқ, ажратмоқ, изоляцияламоқ, бошқалардан ажратиб (яккалаб) қўймоқ, холилатмоқ; ~ **больно́го** беморни бошқалардан ажратмоқ; ~ **престу́пника** жиноятчини ажратиб (қамаб) қўймоқ; 2 *кого-что* ажратиб олмоқ (қўймоқ), алоҳида олиб (бошқаларига боғламасдан) қарамоқ; 3 *кого тех.* изоляцияламоқ, изоляция қилмоқ; ~ **электри́ческий про́вод** электр симини изоляция қилмоқ.

ИЗОЛИ́РОВАТЬСЯ 1 *сов.* и *несов.* ажралмоқ, айрилмоқ, яккаланмоқ; ажралиб қолмоқ (чиқмоқ); 2 *несов. страд. от* **изоли́ровать.**

ИЗОЛИРО́ВОЧНЫЙ, -ая, -ое айирадиган, ажратадиган, изоляция қиладиган, изоляцияловчи, изоляция...; ~ **матери́ал** изоляция материали, изоляция қиладиган материал.

ИЗОЛИ́РУЮЩ/ИЙ, -ая, -ее 1 *прич. от* **изоли́ровать;** 2 *в знач. прил. тех.* изоляция қиладиган, изоляцияловчи, изоляция..; ~**е материа́лы** изоляция қиладиган материаллар, изоляция материаллари.

ИЗОЛЯ́ТОР *м* изолятор (1 электр токи, иссиқлик ва ш. к. ни ўтказмайдиган модда, материал; **электри́ческий** ~ электр изолятори; 2 электр симларини осиш ва изоляциялаш учун ишлатиладиган махсус чиғаноқ, ролик ва ш. к.; **фарфо́ровый** ~ чинни изолятор; 3 касалхона, казарма, лагерь ва ш. к. да: касали юқумли ёки аниқланмаган беморлар ажратиб қўйиладиган алоҳида хона).

ИЗОЛЯ́ТОРНЫЙ, -ая, -ое изоляторга оид; изолятор...; ~ **заво́д** изолятор заводи.

ИЗОЛЯЦИОНИЗМ *м* изоляционизм (19-асрда АҚШда Европа можароларига аралашмаслик шиори остида майдонга келган, Иккинчи жаҳон урушидан кейин ўз аҳамиятини йўқотган реакцион буржуа сиёсий оқими).

ИЗОЛЯЦИОНИ́СТ *м* изоляционист, изоляционизм тарафдори.

ИЗОЛЯЦИОНИ́СТСК/ИЙ, -ая, -ое изоляционизмга ва изоляционистларга оид, изоляционизм руҳидаги; изоляционистик, изоляционизм...; ~**ая поли́тика** изоляционистик сиёсат, изоляционизм сиёсати.

ИЗОЛЯЦИОНН/ЫЙ, -ая, -ое изоляцияга оид, изоляция учун ишлатиладиган, изоляцион; изоляция...; ~**ая ле́нта** изоляцион лента.

ИЗОЛЯ́ЦИ/Я *ж* 1 *то же, что* **изоли́рование; 2** *спец.* изоляция (изоляцияловчи модда, материал ёки деталь); **рези́новая ~я** резина изоляция; 3 яккаланиб (ажралиб) қолиш; яккалаб (ажратиб) қўйиш, яккалик; **мора́льная ~я** маънавий жиҳатдан ажралиб (яккаланиб) қолиш; **вы́вести страну́ из состоя́ния ~и** мамлакатни яккалатиб қўйилган ҳолатдан қутқармоқ.

ИЗОМЕ́РИЯ *ж хим.* изомерия (изомер моддаларнинг мавжуд бўла олиш ҳодисаси).

ИЗОМЕ́РН/ЫЙ, -ая, -ое изомерияга оид; изомер...; ~**ые вещества́** *то же, что* **изоме́ры.**

ИЗОМЕ́РЫ *мн.* (*ед.* **изоме́р** *м*) *хим.* изомерлар, изомер моддалар (состави ва молекуляр оғирлиги бир, тузилиши, физика-химиявий хусусиятлари бошқа-бошқа бўлган моддалар).

ИЗОМОРФИ́ЗМ *м* изоморфизм (химиявий составига кўра бир хил моддаларнинг бир хил шаклда кристалланиб чиқиш хусусияти).

ИЗОМО́РФНЫЙ, -ая, -ое изоморф (изоморфизм хусусиятига эга бўлган).

ИЗОПРЕ́Н *м* изопрен (углеводородлар группасига мансуб модда, рангсиз суюқлик).

ИЗОРВА́НН/ЫЙ, -ая, -ое 1 *прич. от* **изорва́ть; 2** *в знач. прил.* йиртилган, йиртилиб (дабдаласи чиқиб, тилка-тилка бўлиб) кетган, йиртиқ-сиртиқ, жулдур-жулдур; ~**ая руба́шка** йиртилиб кетган (йиртиқ-сиртиқ) кўйлак.

ИЗОРВА́ТЬ *сов.* (*несов.* **изрыва́ть II**) *что* йиртмоқ, йиртиб ташламоқ, пора-пора қилиб юбормоқ, тилка-тилка (парча-парча) қилмоқ; ~ **письмо́** хатни йиртиб (парча-парча қилиб) ташламоқ.

ИЗОРВА́/ТЬСЯ, -вётся *сов.* йиртилмоқ, йиртилиб (дабдаласи чиқиб, тилка-пора бўлиб) кетмоқ; ~**ться в кло́чья** тилка-тилка бўлиб йиртилиб кетмоқ; **о́бувь ~ла́сь** пойафзал йиртилиб кетди, пойафзалнинг дабдаласи чиқди.

ИЗОТЕ́РА *ж* изотера (хариталарда: ёзги ўртача температураси бир хил бўлган жойларни бирлаштирувчи чизиқлар).

ИЗОТЕ́РМА *ж* изотерма 1 (хариталарда: ёзги ўртача температураси бир хил бўлган жойларни бирлаштирувчи чизиқлар; 2 иссиқлик ҳодисалари диаграммаларида: ўзгармас температура шароитида содир бўладиган боғланишларни тасвирловчи чизиқлар).

ИЗОТЕРМИ́ЧЕСКИЙ, -ая, -ое 1 изотермага оид; изотермик, изотерма...; ~ **проце́сс** изотермик процесс; 2 изотермик (ҳароратни бир хил тутиб турадиган); ~ **ваго́н** изотермик вагон.

ИЗОТО́ПНЫЙ, -ая, -ое изотопга оид, изотоп...

ИЗОТО́ПЫ *мн.* (*ед.* **изото́п** *м*) изотоплар (битта химиявий элементнинг атом оғирлигига қараб бир-биридан фарқ қиладиган кўринишлари; **радиоакти́вные ~** радиоактив изотоплар; ~ **ура́на** уран изотоплари).

ИЗОХИМЕ́НА *ж* изохимена (хариталарда: қишки ўртача температураси бир хил бўлган жойларни бирлаштирувчи чизиқлар).

ИЗОХРОМАТИ́ЧЕСКИЙ, -ая, -ое изохроматик, бир хил рангли, ранг-туси бир хил, бир рангдаги, бир хил ранг-тусни сезадиган.

ИЗОХРО́ННОСТЬ, *ж* изохронлик (баравар содир бўлиш; баравар давом этиш); ~ **колеба́ний** тебранишларнинг изохронлиги.

ИЗОХРО́ННЫ/Й, -ая, -ое изохрон (давомийлиги жиҳатидан тенг, бир вақтда содир бўлган ёки бўладиган, баравар давом этадиган); ~**е явле́ния** изохрон ҳодисалар.

ИЗОЩРЕ́НИЕ *с* 1 *по гл.* **изощри́ть** и **изощри́ться; ~ па́мяти** хотиранинг ўткирлашуви; 2 айёрлик, усталик, ҳийланайранг.

ИЗОЩРЕ́НН/ЫЙ, -ая, -ое 1 *прич. от* **изощри́ть; 2** *в знач. прил.* ўткир, сезгир, нозик; ~**ый слух** ўткир эшитиш қобилияти, қулоқнинг жуда яхши эшитиши; ~**ый вкус** нозик дид; 3 *в знач. прил.* камолга (камолот, маҳорат чўққисига) ет-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ган, усталик (маҳорат) билан қилинган, нозик, ўткир; **~ая поли́тика** нозик (ўткир) сиёсат.

ИЗОЩРИ́ТЬ *сов. (несов.* **изощря́ть)** *что* ўткирлаштирмоқ, кучайтирмоқ, ўстирмоқ, оширмоқ, такомиллаштирмоқ; **~ слух** эшитув қобилиятини оширмоқ.

ИЗОЩРИ́ТЬСЯ *сов. (несов.* **изощря́ться) 1** ўткирлашмоқ, кучаймоқ, ўсмоқ, такомиллашмоқ; 2 моҳир (уста) бўлмоқ, маҳорати ошмоқ.

ИЗОЩРЯ́ТЬ *несов. см.* **изощри́ть.**

ИЗОЩРЯ/ТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **изощри́ться; 2** бутун усталигини (маҳоратини) ишга солмоқ, ҳийла-найранглар ишлатмоқ, усталик қилмоқ; **как он ни ~лся, ничего́ не получи́лось** у қанча усталик қилмасин (ҳийла-найранг ишлатмасин), бари бир ҳеч нарса чиқмади.

ИЗ-ПОД и **ИЗ-ПО́ДО** *предлог с р.* 1 тагидан, остидан; **~ па́рты** парта остидан (тагидан); **из-подо́ льда** муз остидан; 2 бирор жойга яқин ердан; атрофидан; **прие́хал ~ Москвы́** Москва яқинидан келди; 3 -дан бўшаган; **коро́бка ~ папиро́с** папиросдан бўшаган коробка; **мешо́к ~ муки́** ундан бўшаган қоп; **4** бирор ҳолатдан, аҳволдан; **вы́вести ~ уда́ра** зарбдан (калтакдан) қутқармоқ; **освободи́ть ~ стра́жи** қамоқдан чиқармоқ (озод қилмоқ); ✦ **~ полы́** яшириб, бекитиб, ўғринча; **~ но́су** бурни остидан, кўз олдида, қаратиб туриб; **~ па́лки** мажбуран, зўрлик билан, калтак остида, зўрма-зўраки; **доста́ть ~ земли́** ернинг тагидан (ер остидан) бўлса ҳам топмоқ, қаердан бўлмасин топмоқ.

ИЗРАЗЕ́Ц *м, р.* **-зца́** кошин, кафель; **печно́й ~** печь кошини (кафели).

ИЗРАЗЦО́В/ЫЙ, -ая, -ое кошинга, кафелга оид; кошин қопланган, кошин қоплаб безатилган, кошинкор; **~ые пли́ты** кошин плиталар; **~ая печь** кошинкор печь.

ИЗРАИ́ЛЬСКИЙ, -ая, -ое Исроилга (Исроил давлатига) оид; Исроил...

ИЗРАИЛЬТЯ́НЕ *мн. (ед.* **израильтя́нин** *м,* **израильтя́нка** *ж)* исроилийлар (1 *ист.* қадимги яҳудий қабилаларининг умумий номи; 2 Исроил давлатининг аҳолисини ташкил этган халқлар).

ИЗРАИЛЬТЯ́НИН *м* исроиллик киши, исроилий.

ИЗРАИЛЬТЯ́НКА *ж, р. мн.* **-нок** исроиллик (исроилий) аёл.

ИЗРАНИТЬ *сов. кого-что* қаттиқ яродор қилмоқ, ҳаммаёғини жароҳатлаб ташламоқ.

ИЗРАСТА́НИЕ *с с.-х.* ғовламоқ, ғовлаб кетмоқ; **~ хлопча́тника** ғўзанинг ғовлаши.

ИЗРАСХО́ДОВАТЬ *сов. (несов.* **расхо́довать)** батамом сарф қилмоқ, ишлатиб (сарф қилиб) юбормоқ, сарфлаб (харжлаб, ишлатиб) тамомламоқ.

ИЗРАСХО́ДОВАТЬСЯ *сов.* 1 *(несов.* **расхо́доваться)** батамом сарф бўлмоқ, харж қилинмоқ, сарфланиб (ишлатилиб) тамом бўлмоқ; 2 *разг.* катта чиқим қилмоқ, чиқимдор бўлмоқ; **~на поку́пках пода́рков** совғаларга катта сарф қилмоқ; совғалар олиб чиқимдор бўлмоқ.

ИЗРЕДИ́ТЬ, -ежу́, -еди́шь *сов. (несов.* **изре́живать)** сийракламоқ, яганаламоқ; **~ посе́вы ри́са** шолини сийраклamоқ.

ИЗРЕДКА *нареч.* 1 ҳар замон-бир замонда, аҳён-аҳёнда, онда-сонда, гоҳ-гоҳ, ора-сира, баъзан; **он ~ заходи́л к нам** у онда-сонда бизникига кириб турарди; 2 у ер-бу ерда, баъзи-баъзи жойларда, онда-сонда.

ИЗРЕЖЕ́ННОСТЬ *ж* сийраклик; **~ посе́вов хлопча́тника** ғўза тупларининг сийраклиги.

ИЗРЕЖЕ́ННЫ/Й, -ая, -ое сийракланган; сийрак бўлиб қолган, сийрак, олақароқ, ҳаккам-дуккам; **~е всхо́ды кукуру́зы** сийрак чиққан маккажўхори; **~е леса́** сийракланган (сийраклашиб қолган) ўрмон, сийрак ўрмон.

ИЗРЕ́ЖИВАТЬ *несов. см.* **изреди́ть.**

ИЗРЕ́ЗАНН/ЫЙ, -ая, -ое 1 *прич. от* **изре́зать; 2** *в знач. прил.* эгри-бугри, қинғир-қийшиқ; **~ый бе́рег** қинғир-қийшиқ қирғоқ; **3** *в знач. прил. то же, что* **пересечённый; ~ая ме́стность** нотекис (паст-баланд, ўнқир-чўнқир) жой.

ИЗРЕ́ЗА/ТЬ, -е́жу, -е́жешь *сов. (несов.* **изре́зывать** и **изреза́ть) 1** *кого-что* кесмоқ, қирқмоқ, тўғрамоқ, кесиб (тўғраб) ташламоқ, қийма-қийма қилмоқ; **~ть бума́гу** қоғозни қийма-қийма қилмоқ; **2** ҳаммаёғини кесиб олмоқ, кесиб (чизиб, тилиб: ташламоқ; **~ть ру́ку** қўлининг ҳаммаёғини кесиб олмоқ; **кто ~л па́рты?** парталарни ким тилиб (чизиб) ташлади?; **3** *перен. что* кесиб ўтмоқ; **ме́стность, ~нная кана́лами** каналлар билан кесилган каналлар кесиб ўтган) жой.

ИЗРЕЗА́ТЬ *несов. прост. см.* **изре́зать.**

ИЗРЕ́ЗАТЬСЯ, -е́жусь, -е́жешься *сов. (несов.* **изре́зываться)** *разг.* кесиб олмоқ, ҳамма ёғи кесилмоқ, тилинмоқ.

ИЗРЕ́ЗЫВАТЬ *несов. см.* **изре́зать.**

ИЗРЕ́ЗЫВАТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **изре́заться; 2** *страд. от* **изре́зывать.**

ИЗРЕКА́ТЬ *несов. см.* **изре́чь.**

ИЗРЕЧЕ́НИ/Е *с* чуқур маъноли ибора, ҳикматли гап; ҳикмат; **наро́дные ~я** халқ ҳикматлари; **~я вели́ких люде́й** улуғ зотларнинг ҳикматли сўзлари.

ИЗРЕ́ЧЬ, -еку́, -ечёшь; -еку́т; -ёк, -екла́ *сов. (несов.* **изрека́ть)** *что уст.* айтмоқ, сўзламоқ, гапирмоқ; тантаналли эълон (изҳор) қилмоқ; **~ и́стину** ҳақиқатни айтмоқ; 2 *ирон.* қатъият билан айтмоқ, мағрур гапирмоқ.

ИЗРЕШЕТИ́ТЬ, -ечу́, -ети́шь *сов. (несов.* **изреше́чивать)** *кого-что* ҳаммаёғини тешмоқ, тешиб ташламоқ, тешик-тешик қилмоқ, илма-тешик (ғалвир) қилиб юбормоқ; **~ пу́лями** ўқ билан илма-тешик қилиб юбормоқ.

ИЗРЕШЕТИ́ТЬСЯ, -и́тся *сов. (несов.* **изреше́чиваться)** ҳаммаёғи тешилмоқ, илма-тешик бўлмоқ.

ИЗРЕШЕ́ЧИВАТЬ *несов. разг. см.* **изрешети́ть.**

ИЗРЕШЕ́ЧИВАТЬСЯ, -ается *несов.* 1 *см.* **изрешети́ться; 2** *страд. от* **изреше́чивать.**

ИЗРИ́НУТЬ *сов. кого-что книжн. уст.* отиб юбормоқ, ирғитиб (чиқариб) ташламоқ.

ИЗРИСО́ВАТЬ, -су́ю, -су́ешь *сов. (несов.* **изрисо́вывать)** *что* расм солиб тўлдирмоқ, ҳаммаёғини расм билан қопламоқ, ҳаммаёғига сурат солиб ташламоқ.

ИЗРИСО́ВЫВАТЬ *несов. см.* **изрисова́ть.**

ИЗРУБА́ТЬ *несов. см.* **изруби́ть.**

ИЗРУБИ́ТЬ *сов. (несов.* **изруба́ть)** *кого-что* 1 чопиб ташламоқ; майда-майда қилиб кесмоқ, тўғрамоқ, майдаламоқ, қиймаламоқ; **~ на ча́сти** чопиб майдаламоқ, бўлакламоқ; **~ мя́со на котле́ты** котлет учун гўшт майдаламоқ (қийма қилмоқ); 2 чопиб яродор қилмоқ, чавоқлаб ташламоқ; 3 чопиб ташламоқ; қиличдан ўтказмоқ.

ИЗРУГА́ТЬ *сов. кого-что разг.* қаттиқ сўкмоқ, сўкиб (уришиб) бермоқ, ҳақорат қилмоқ.

ИЗРУГА́ТЬСЯ *сов. прост.* қаттиқ сўкинмоқ.

ИЗРЫВА́ТЬ I *несов. см.* **изры́ть.**

ИЗРЫВА́ТЬ II *несов. см.* **изорва́ть.**

ИЗРЫГА/ТЬ *несов. (сов.* **изрыгну́ть)** *что* 1 қусмоқ, қайт қилмоқ; қусиб (қайт қилиб- ташламоқ; 2 бурқиратиб (отиб) чиқармоқ, чиқариб ташламоқ; **пу́шки ~ли ого́нь** тўп оғзидан олов отилиб чиқар эди; 3 бўралаб сўкмоқ, ҳақорат қилмоқ, ҳақорат (лаънат) сўзлари ёғдирмоқ; **~ть хулу́** ёмонламоқ, ғийбат қилмоқ, сўкмоқ; **~ть прокля́тия** лаънат (сўзлари) ёғдирмоқ, бўралаб қарғамоқ, лаънатламоқ.

ИЗРЫГНУ́ТЬ *сов. однокр. см.* **изрыга́ть.**

ИЗРЫСКА/ТЬ *сов. что разг.* изғимоқ, изғиб айланиб чиқмоқ; **волк ~л весь лес в по́исках добы́чи** бўри ўлжа (овқат) қидириб бутун ўрмонни изғиб чиқди.

ИЗРЫ́Т/ЫЙ, -ая, -ое 1 *прич. от* **изры́ть; 2** *в знач. прил.* ковлаб (қазиб) ташланган, ўнқир-чўнқир бўлиб қолган; ўнқир-чўнқир; **~ая доро́га** ковлаб ташланган йўл; ўнқир-чўнқир (ўйдим-чуқур) йўл.

ИЗРЫ́Т/Ь, -ро́ю, -ро́ешь *сов. (несов.* **изрыва́ть I)** *что* 1 ковлаб ташламоқ, ўйиб (қазиб) ташламоқ, чуқур (ўнқир-чўнқир) қилиб юбормоқ; **по́ле, ~о сна́рядами** снарядлар тушиб, ўнқир-чўнқир қилиб юборган (ўнқир-чўнқир бўлиб кетган) жой; 2 *перен.* чўтир қилиб қўймоқ (юзни); босмоқ (мас., ажин).

ИЗРЯ́ДНО *нареч. разг.* анча, хийла, анчагина, хийлагина.

ИЗРЯ́ДН/ЫЙ, -ая, -ое; -ден, -дна, 1 *уст.* дурустгина, яхши, тузук, бинойи; 2 *разг.* анча, кўп, каттагина; **~ая су́мма де́нег** анчагина пул; **~ый хо́лод** яхшигина (анчагина) совуқ.

ИЗУВЕ́Р *м* 1 ўтакетган мутаассиб, хурофотга берилган одам, жаҳолатпараст хурофотчи, хурофотпараст; 2 ёвуз, бешафқат одам; баттол, жоҳил, газанда; **фаши́стские ~ы** фашист газандалари.

ИЗУВЕ́РКА *ж, р. мн.* **-рок** *см.* **изуве́р.**

www.ziyouz.com kutubxonasi

ИЗУВЕ́РСКИ/Й, -ая, -ое 1 жаҳолатпарастларга хос, жоҳилона, ўтакетган хурофий; 2 *перен.* раҳмсиз, шафқатсиз, ёвуз, ваҳшиёна, раҳмсизларча, ёвузларча; **~й посту́пок** ёвузларча хатти-ҳаракат; **~е пы́тки** шафқатсиз қийноқ.

ИЗУВЕ́РСТВО *с* 1 ўтакетган мутаассиблик, жаҳолатпарастлик, хурофотпарастлик; **религио́зное ~** диний мутаассиблик; 2 *перен.* раҳмсизлик, шафқатсизлик, ёвузлик, ваҳшийлик, бераҳмлик.

ИЗУВЕ́РСТВОВАТЬ *несов.* шафқатсизлик қилмоқ, ёвузлик (ваҳшийлик) қилмоқ.

ИЗУВЕ́ЧИВАТЬ *несов. см.* **изувечить.**

ИЗУВЕ́ЧИВАТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **изувечиться**; 2 *страд. от* **изувечивать.**

ИЗУВЕ́ЧИТЬ *сов. (несов.* **изувечивать)** 1 *кого-что* қаттиқ шикаст етказмоқ, лат едирмоқ, майиб қилмоқ; 2 *что* дабдала (шалоқ) қилмоқ, ишдан чиқармоқ.

ИЗУВЕ́ЧИТЬСЯ *сов. (несов.* **изувечиваться)** қаттиқ шикаст (лат) емоқ, майиб бўлмоқ, шикаст топмоқ.

ИЗУКРА́СИ/ТЬ, -а́шу, -а́сишь *сов. (несов.* **изукра́шивать)** *кого-что* 1 *уст.* и *разг.* тўлдириб безамоқ, безатмоқ, ясатмоқ, зийнатламоқ, нақшламоқ; **~ть ёлку** арчани безатмоқ; **~ть ко́мнату цвета́ми** хонани гуллар билан безатмоқ; **~ть инкруста́цией** садаф (суяк ва ҳ. к.) қадаб нақшламоқ; 2 *разг. ирон.* безамоқ, бўямоқ, беламоқ, чип-чиройли (бинойидай) қилиб қўймоқ; **всё лицо́ ~л са́жей** афт-башарасини қора куяга бўяб ташлабди; **~ть синяка́ми** ҳамма ёғини кўкартириб (чип-чиройли қилиб) қўймоқ, ҳамма ёғини кўкартириб юбормоқ.

ИЗУКРА́СИТЬСЯ, -а́шусь, -а́сишься *сов. (несов.* **изукра́шиваться)** 1 *уст.* и *разг.* безанмоқ, ясанмоқ, чиройи очилмоқ; 2 *разг. ирон.* бўялмоқ, беланмоқ, чип-чиройли (бинойидай) бўлмоқ; **~ мукой́** унга беланмоқ, ҳамма ёғи ун бўлмоқ; **~ синяка́ми** ҳамма ёғини биб-бинойидай кўкартириб олмоқ.

ИЗУКРА́ШИВАТЬ *несов. см.* **изукрасить.**

ИЗУКРА́ШИВАТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **изукра́ситься**; 2 *страд. от* **изукра́шивать.**

ИЗУМИ́ТЕЛЬНО *нареч.* қойил қилиб, тонг қолдириб; ажойиб, ҳайрон қоларли даражада; **она́ ~ поёт** у жуда ажойиб куйлайди.

ИЗУМИ́ТЕЛЬНЫ/Й, -ая, -ое; -лен, -льна ажойиб, кишини ҳайрон (тонг) қолдирадиган, маҳлиё қилиб қўядиган; **~ый пейза́ж** ажойиб (кишини маҳлиё қиладиган) манзара; **у него́ ~е спосо́бности к му́зыке** унинг музикага ҳайрон қоларли қобилияти бор.

ИЗУМИ́ТЬ, -млю́, -ми́шь *сов. (несов.* **изумля́ть)** *кого-что* ҳайрон (тонг, қойил) қолдирмоқ, маҳлиё қилиб қўймоқ.

ИЗУМИ́ТЬСЯ, -млю́сь, -ми́шься *сов. (несов.* **изумля́ться)** ҳайрон (тонг, қойил) қолмоқ, қойил бўлмоқ, маҳлиё бўлиб қолмоқ.

ИЗУМЛЕ́НИ/Е *с* ҳайрон (қойил, маҳлиё) бўлиш, тонг (қойил) қолиш; ҳайрат, маҳлиёлик; **прийти́ в ~е** ҳайрон қолмоқ, маҳлиё бўлмоқ; **повергнуть в ~е** ҳайрон қолдирмоқ, маҳлиё қилиб қўймоқ; **к вели́кому моему́ ~ю** мен шу қадар ҳайрон қолдимки.

ИЗУМЛЕ́ННО *нареч.* ҳайрон (тонг) қолиб, маҳлиё бўлиб, ҳайрат билан, ҳайратда.

ИЗУМЛЕ́ННЫ/Й, -ая, -ое 1 *прич. от* **изуми́ть**; 2 *в знач. прил.* ҳайрон (тонг, қойил) қолган, маҳлиё; **~ое лицо́** маҳлиё кўриниш (чеҳра); **смотре́ть ~ыми глаза́ми** ҳайратланиб (маҳлиё бўлиб) қарамоқ.

ИЗУМЛЯ́ТЬ *несов. см.* **изуми́ть.**

ИЗУМЛЯ́ТЬСЯ *несов. см.* **изуми́ться.**

ИЗУМРУ́Д *м* зумрад; **кольцо́ с ~ом** зумрад кўзли узук.

ИЗУМРУ́ДН/ЫЙ, -ая, -ое 1 зумрадга оид, зумраддан қилинган, зумрад қадалган; зумрад кўзли, зумрад...; **~ый брасле́т** зумрад қадалган билагузук; 2 зумрад ранг, оч яшил, ям-яшил, зумрад; **~ая зе́лень** зумрад майса, ям-яшил ўт.

ИЗУРО́ДОВА/ТЬ *сов. (несов.* **уро́довать)** 1 *кого-что* хунук (ажива, бадбашара) қилиб юбормоқ, абжағини (дабдаласини, расвосини) чиқармоқ, абжақ (дабдала) қилмоқ; **о́спа ~ла его́ лицо́** чечак унинг юзини хунук (ажива) қилиб юборган; **Мы е́дем по земле́, ~нной взры́вами мин** (Симонов) Миналар портлашидан дабдала бўлиб кетган ерлардан борардик; 2 *перен. что* бузмоқ, бузиб кўрсатмоқ, бузиб юбормоқ, нотўғри талқин қилмоқ; **~ть ве́рную мысль** тўппа-тўғри фикрни бузиб юбормоқ; 3 *перен. кого-что* бузмоқ, расво қилмоқ, йўлдан оздирмоқ, ёмон таъсир кўрсатмоқ; **ребёнка ~ли плохи́м воспита́нием** ёмон тарбия бериб болани расво қилишди (қилишибди).

ИЗУРО́ДОВАТЬСЯ *сов.* 1 хунуги (аживаси) чиқмоқ, бузилмоқ, расвоси (дабдаласи) чиқиб кетмоқ; майиб бўлмоқ; 2 *перен.* бузилмоқ, йўлдан озмоқ, расво бўлмоқ.

ИЗУСТН/ЫЙ, -ая, -ое *уст.* оғзаки; **~ое преда́ние** оғзаки ривоят; **~ый расска́з** оғзаки ҳикоя.

ИЗУЧА́ТЬ *несов. см.* **изучить.**

ИЗУЧЕ́НИЕ *с по гл.* **изучи́ть — изуча́ть; ~ производи́тельных сил страны́** мамлакатнинг ишлаб чиқариш кучларини ўрганиш; **~ иностра́нных языко́в** чет тилларини ўрганиш.

ИЗУЧИ́ТЬ, -учу́, -у́чишь *сов. (несов.* **изуча́ть)** 1 *что* ўрганмоқ, ўрганиб билмоқ, ўқиб билиб олмоқ; **~ гончарное ремесло́** кулолчиликни (кулолчилик касбини) ўрганмоқ; **~ стенографи́ю** стенографияни ўрганмоқ; **~ иностра́нный язы́к** чет тилини ўқимоқ (ўрганмоқ); 2 *кого-что* текширмоқ, ўрганмоқ, тадқиқ қилмоқ; ўрганиб чиқмоқ, текшириб аниқламоқ; **~ вопро́с** масалани ўрганмоқ (ўрганиб чиқмоқ); **~ дре́вние письмена́** қадимги ёзувчиларни ўрганмоқ; **~ соста́в вещества́** модданинг таркибини текширмоқ; 3 *кого-что* кузатиб (синаб ва ҳ. к.) билиб олмоқ, тушуниб етмоқ, ўрганмоқ; **~ челове́ка** кишини билиб (тушуниб) олмоқ; **~ хара́ктер дру́га** дўстининг характерини билиб олмоқ.

ИЗЪ- *см.* **из-.**

ИЗЪЕДА́ТЬ *несов. см.* **изъе́сть.**

ИЗЪЕ́ЗДИТЬ, -е́зжу, -е́здишь *сов. что* 1 кўп ерни кезмоқ, кўп жойларни айланиб (кезиб, саёҳат қилиб) чиқмоқ (транспорт воситаларида); **~ всю страну́** мамлакатни кезиб чиқмоқ; 2 *прост.* кўп юриб (юраверіб) бузмоқ, ишдан чиқармоқ; **~ доро́гу** кўп юриб йўлни бузмоқ, юраверіб йўлни ишдан чиқармоқ.

ИЗЪЕ́ЗДИ/ТЬСЯ, -ится *сов. прост.* юраверіб (ёки миниларевериб) ишдан чиқмоқ, бузилиб (яроқсиз бўлиб) қолмоқ, шалоғи чиқиб кетмоқ; **был конь, да ~лся** *посл.* бир вақтлар от эди, энди шарти кетиб парти қолган, холос.

ИЗЪЕ́ЗЖЕНН/ЫЙ, -ая, -ое 1 *прич. от* **изъе́здить**; 2 *в знач. прил.* юрилаверіб бузилиб кетган, ишдан чиққан, ўнқир-чўнқир; **~ ая доро́га** ўнқир-чўнқир йўл.

ИЗЪЕ́/СТЬ, -е́ст, -едя́т *сов. (несов.* **изеда́ть)** *что* 1 емоқ, еб кетмоқ (қўймоқ); кемирмоқ, кемириб ташламоқ; **моль ~ла шерстяну́ю ткань** жун матони куя еб қўйипти; 2 *разг.* чақиб ташламоқ, таламоқ; **всё лицо́ ~ли комары́** юзларни чивин чақиб ташлади; 3 еб (ўйиб) юбормоқ, куйдирмоқ; **кислота́ ~ла ру́ки** кислота қўлларни куйдириб (ўйиб) юборди.

ИЗЪЯВИ́ТЕЛЬН/ЫЙ: ~ое наклоне́ние *грам.* аниқлик майли.

ИЗЪЯВИ́ТЬ, -явлю́, -я́вишь *сов. (несов.* **изъявля́ть)** *что* билдирмоқ, айтмоқ, баён этмоқ, изҳор қилмоқ; **~ жела́ние** истак билдирмоқ; **~ согла́сие** розилик билдирмоқ, рози бўлмоқ.

ИЗЪЯВЛЕ́НИЕ *с по гл.* **изъяви́ть — изъявля́ть; ~ благода́рности** ташаккур изҳор этиш, миннатдорлик билдириш.

ИЗЪЯВЛЯ́ТЬ *несов. см.* **изъяви́ть.**

ИЗЪЯЗВИ́ТЬ, -влю́, -ви́шь *сов. (несов.* **изъязвля́ть)** *кого-что* яра қилиб юбормоқ, яра-чақа бостирмоқ.

ИЗЪЯЗВЛЯ́ТЬ *несов. см.* **изъязви́ть.**

ИЗЪЯ́Н *м* 1 нуқсон, иллат, айб, камчилик, қусур; **физи́ческий ~** жисмоний камчилик; **с ~ом** нуқсони бўлган, нуқсони бор, нуқсонли; нуқсони билан; 2 зиён, зарар, путур; **причини́ть ~** зарар етказмоқ (бермоқ).

ИЗЪЯСНЕ́НИ/Е *с уст.* 1 *по гл.* **изъясни́ть** и **изъясни́ться**; **нева́рное ~е де́ла** ишни (ишнинг моҳиятини) нотўғри тушунтириш; 2 изоҳ, шарҳ, тушунтириш; **слу́шать** *чьи-л.* **~я** бировнинг тушунтиришларини эшитмоқ.

ИЗЪЯСНИ́ТЕЛЬНЫЙ, -ая, -ое *уст.* тушунтириб берадиган, англатадиган, тушунтирувчи, изоҳловчи, изоҳли, шарҳли.

ИЗЪЯСНИ́ТЬ *сов. (несов.* **изъясня́ть)** *что уст.* тушунтирмоқ, англатмоқ, баён қилмоқ, тушунтириб бермоқ; **~ свою́ про́сьбу** ўз илтимосини баён қилмоқ.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ИЗЪЯСНИ́ТЬСЯ *сов. (несов.* **изъясня́ться**) *уст.* айтмоқ, **айти́б** бермоқ, изҳор қилмоқ, тушунтирмоқ; гаплашмоқ; ~ **в любви́** муҳаббат изҳор қилмоқ.

ИЗЪЯСНЯ́ТЬ *сов. см.* **изъясни́ть.**

ИЗЪЯСНЯ́ТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **изъясня́ться**; 2 сўзлашмоқ, гаплашмоқ; ~ **по-францу́зски** француз тилида гаплашмоқ; 3 *страд. от* **изъясни́ть.**

ИЗЪЯ́ТИ/Е *с книж.* 1 *по гл.* **изъя́ть**; ~**е из обраще́ния** муомаладан чиқариш; ~**е из употребле́ния** истеъмолдан чиқариш; ~**е це́нностей** қимматбаҳо нарсаларни мусодара қилиш; 2 истисно; истисно (мустасно) қилиш; **все без** ~**я** ҳамма истисносиз, беистисно ҳамма.

ИЗЪЯ́ТЬ, изыму́, изы́мешь *сов. (несов.* **изыма́ть**) *кого-что книжн.* 1 чиқармоқ, чиқариб ташламоқ (истеъмолдан, муомаладан ва ҳ. к.); ~ **из прода́жи** сотувдан чиқариб ташламоқ; 2 олиб қўймоқ, мусодара қилмоқ; ~ **при о́быске** тинтув вақтида олиб қўймоқ.

ИЗЫМА́ТЬ *несов. см.* **изъя́ть.**

ИЗЫСК *м книжн.* зоҳирий (пуч) янгилик, кўринишгагина янгилик.

ИЗЫСКА́НИ/Е с 1 *по гл.* **изыска́ть**; ~**е дополни́тельных сре́дств** қўшимча маблағ қидириб топиш; 2 *мн.* ~**я** қидириш, изланиш, қидирув, тадқиқот; **геологи́ческие** ~**я** геология қидирув ишлари; **филологи́ческие** ~**я** филологик текширишлар; 3 *мн.* ~**я** дастлабки қидирув ишлари *(мас.,* қурилишларда).

ИЗЫСКА́ННО *нареч.* 1 нозик дид билан; назокат билан; **одева́ться** ~ нозик дид билан кийинмоқ; 2 бежаб, тамтароқли қилиб; ~ **говори́ть** бежаб гапирмоқ.

ИЗЫСКА́ННЫЙ, -ая, -ое 1 *прич. от* **изыска́ть**; 2 *в знач. прил.* назокатли, латофатли, нозик, нафис, гўзал; ~**ые мане́ры** нозик ҳаракатлар, назокатли қилиқлар; ~**ый вкус** нозик дид; ~**ые блю́да** тансиқ таомлар; 3 *в знач. прил. уст.* бежама, бежамдор, тамтароқли; **Описа́ние лу́нного ве́чера длинно́** и ~(Чехов) Ойдин туннинг тасвири узундан-узоқ ва тамтароқли.

ИЗЫСКА́ТЕЛЬ *м* қидирувчи, тадқиқотчи; **инжене́р-** ~ қидирувчи-инженер.

ИЗЫСКА́ТЕЛЬСК/ИЙ, -ая, -ое қидирувга оид; қидирув...; ~**ая па́ртия** қидирувчилар партияси (гуруҳи); ~**ие рабо́ты** қидирув ишлари.

ИЗЫСКА́ТЬ, -ыщу́, -ы́щешь *сов. (несов.* **изы́скивать**) *что* топмоқ, қидириб (тадқиқ қилиб, изланиб) топмоқ, ахтариб топмоқ; ~ **сре́дства на иссле́довательскую рабо́ту** илмий тадқиқот ишлари учун маблағ топмоқ.

ИЗЫСКА́ТЬСЯ, -ы́щется *сов. (несов.* **изы́скиваться**) топилмоқ.

ИЗЫСКИВА́ТЬ *несов.* 1 *см.* **изыска́ть**; 2 илмий текшириш ишлари билан шуғулланмоқ, тадқиқот қилмоқ.

ИЗЫСКИВА́ТЬСЯ, -ается *несов.* 1 *см.* **изыска́ться**; 2 *страд. от* **изы́скивать.**

ИЗЮ́БР *м* изюбр (Шарқий Сибирь буғуси).

ИЗЮ́БРОВЫ/Й, -ая, -ое изюбрга оид, изюбр...; ~ **е рога́** изюбр шохлари.

ИЗЮ́М *м* майиз; ✦ **не фунт** ~**у** *разг.* ҳазил эмас, осон эмас.

ИЗЮ́МИНА *ж* бир дона майиз, майиз донаси.

ИЗЮ́МИНК/А *ж* 1 *уменьш. от* **изю́мина**; 2 *перен.* бирор нарса ёки кимсанинг кишини ўзига тортадиган, қизиқтирадиган ажойиб томони, хислати, фазилати; ~**а конструкции** конструкциянинг ўзига хос ажойиб томони; **челове́к с** ~**ой** ажойиб бир хислати бор одам; **челове́к без** ~**и** қизиғи йўқ одам.

ИЗЮ́МНЫЙ, -ая, -ое майизга оид; майизли; майиз...; ~ **со́ус** майизли соус.

ИЗЯЩЕ́СТВО *с* нафислик, нозиклик, нафосат, латофат, назокат, гўзаллик, бежиримлик; ~ **фигу́ры** қоматнинг бежиримлиги.

ИЗЯЩН/ЫЙ, -ая, -ое;-щен, -щна нафис, нозик, нафосатли, назокатли, келишган, бежирим, гўзал; ~**ый по́черк** бежирим ёзув; ~**ая фигу́ра** келишган (бежирим) қомат; ~**ое пла́тье** нафис кўйлак; ~**ые мане́ры** нозик адолар; ✦ ~**ые иску́сства** *уст.* **нафис санъатлар, санойи нафиса (рассомлик, музика ва ҳ. к.);** ~**ая слове́сность (или литерату́ра)** *уст.* нафис адабиёт (бадиий адабиёт).

ИКА́НИЕ *с* ҳиқичоқ, ҳиқичоқ (тутиш, ҳиқ-ҳиқ қилиш.

ИКА́ТЬ *несов. (сов.* **икну́ть**) ҳиқичоқ тутмоқ.

ИКА/ТЬСЯ, -а́ется *безл. несов. (сов.* **икну́ться**) *кому разг.* кетма-кет (ҳадеб) ҳиқичоғи тутмоқ, ҳиқ-ҳиқ қилмоқ; **ему́, наве́рное, сейча́с** ~**ется** ҳозир унинг қулоғи қизиётган бўлса керак.

ИКНУ́ТЬ *сов. однокр. см.* **ика́ть.**

ИКНУ́ТЬСЯ, -нётся *сов. однокр. см.* **ика́ться.**

ИКО́НА *ж* икона, бут, санам.

ИКО́ННЫЙ, -ая, -ое иконага, бутга оид; икона...; бут...; санам...

ИКОНОГРАФИ́ЧЕСКИЙ, -ая, -ое иконографияга оид; иконографик, иконография...

ИКОНОГРА́ФИЯ *ж* иконография (1 бирор киши ёки сюжетга доир тасвирларни ўрганиш ва тавсифлаш; ~ **А. С. Пу́шкина** А. С. Пушкин иконографияси; 2 *собир.* шундай тасвирлар йиғиндиси, мажмуи; 3 шундай тасвирларни чизиш, ишлаш қоидалари).

ИКОНОПИ́СЕЦ *м, р.* **-сца** иконалар чизувчи рассом, иконанавис.

ИКОНОПИ́СН/ЫЙ, -ая, -ое 1 икона чизишга (иконанависликка) оид; ~**ая мастерска́я** икона чизиш (иконанавислик) устахонаси; 2 *перен.* санамларга ўхшаган; жиддий; ~**ое лицо́** санамларга ўхшаган башара; жиддий юз.

ИКОНОПИ́СЬ *ж* иконалар чизиш, икона чизиш санъати, иконанавислик; **древнеру́сская** ~ қадимги рус иконанавислик санъати.

ИКОНОСКО́П *м* иконоскоп (телевидениеда: тасвир узатадиган электрон нур трубка).

ИКОНОСТА́С *м* иконостас (православлар черковида: меҳроб — саждагоҳни ажратиб турадиган, иконалар қўйилган енгил девор).

ИКО́РКА *ж разг. ласк. от* **икра́.**

ИКО́РНЫЙ, -ая, -ое балиқ тухумига (уруғига) оид; увилдириқ...

ИКО́ТА *ж* ҳиқичоқ; ҳиқичоқ тутиш.

ИКРА́ *ж* 1 икра, увилдириқ (балиқ, бақа ва ҳ. к. тухуми, уруғи); **мета́ть икру́** уруғ ташламоқ; 2 икра (увилдириқдан тайёрланган озиқ-овқат маҳсулоти); **чёрная** ~ қора икра; **кра́сная** ~ қизил икра; 3 икра (тўғрамча сабзавот ёки замбуруғдан тайёрланган овқат); **баклажа́нная** ~ бақлажон икраси; **грибна́я** ~ замбуруғ (қўзиқорин) икраси.

ИКРИ́НКА *ж, р. мн.* **-нок** бир дона балиқ уруғи, балиқ уруғи донаси.

ИКРИСТ/ЫЙ, -ая, -ое серуруғ, сертухум, кўп тухум (увилдириқ) сочадиган (балиқ, бақа ва ш. к. ҳақида); ~**ая щу́ка** сертухум чўртан балиқ.

ИКРОМЕ́ТАНИ/Е *с* тухум (увилдириқ) сочиш, тухум ташлаш; **пери́од** ~**я** тухум ташлаш даври.

ИКРЫ *мн. (ед.* **икра́** *ж)* болдир.

ИКРЯН/ОЙ, -а́я, -о́е 1 тухумли, қорнида тухуми (увилдириғи) бор; ~**а́я ры́ба** қорнида тухуми бор балиқ; 2 икрадан тайёрланган, икрали.

ИКС *м* икс (1 латин алифбосининг охиридан учинчи ҳарфи; математикада номаълум ёки ўзгарувчан миқдорни белгилаш учун ишлатилади; 2 номаълум киши); ✦ **икс-лучи́** *мн. уст. то же, что* **рентге́новские лучи́** *см.* **рентге́новский.**

ИЛ *м* лойқа, балчиқ.

ИЛИ *союз* 1 *разг.* санаш, ажратиш маъносида қўлланилади: ё, ёки, ёхуд; **вам ча́ю** ~ **ко́фе?** сизга чой қуйиб берайми ёки кофе?; **сего́дня** ~ **за́втра** бугун ё эрта(га); 2 *присоед.* боғлаш, бириктириш маъносини билдиради; ва ёки, шунингдек; **на дне рек, озёр** ~ **море́й** дарё, кўл ва ёки (шунингдек) денгизлар тагида; 3 *противит.* зидлов маъносини билдиради: йўқ эса, ё бўлмаса, акс ҳолда, ёинки; **прекрати́,** ~**я уйду́** бас қил, акс ҳолда (ё бўлмаса) мен кетаман; 4 *вопросит. разг.* сўроқ маъносини билдиради; балки, ёки; ~ **ты не слы́шал об э́том?** ёки сен бу ҳақда эшитмадингми?; балки сен буни эшитмагандирсан?; ~ **ты реши́л оста́ться?** ё сен қолмоқчимисан?; балки сен қолмоқчидирсан?; 5 *поясним.* тушунтириш, изоҳ маъносини билдиради: ёки, яъни, бошқача **айтганда; аэропла́н,** ~ **самолёт** аэроплан ёки (бошқача **айтганда) самолёт.**

www.ziyouz.com kutubxonasi

ИЛИСТ/ЫЙ, -ая, -ое серлойқа, сербалчиқ, балчиқли; **~ое дно о́зера** кўлнинг сербалчиқ туби.

ИЛЛЮЗИОНИ́ЗМ *м* 1 *филос.* иллюзионизм (моддий дунё фақат зоҳирий кўринишдан, иллюзиядан иборат деб ҳисобловчи ғайриилмий, субъектив-идеалистик дунёқараш); 2 кўзбойлоғичлик, кўзбоғловчилик, кўзбоғлаш, фокусчилик.

ИЛЛЮЗИОНИ́СТ *м* 1 иллюзионист, иллюзионизм тарафдори; 2 кўзбоғловчи, фокусчи.

ИЛЛЮЗИОНИСТИ́ЧЕСК/ИЙ, -ая, -ое *филос.* иллюзионизмга оид; иллюзионистик; **~ая филосо́фия** иллюзионистик философия.

ИЛЛЮЗИОНИ́СТСК/ИЙ, -ая, -ое 1 *филос.* иллюзионистларга оид, хос бўлган; иллюзионистларча, иллюзионистик; **~ое мировоззре́ние** иллюзионистларча дунёқараш; 2 кўзбоғловчиларга оид; кўзбоғловчи(лар)...; **~ие трю́ки** кўзбоғловчиларнинг эпчил ҳаракатлари.

ИЛЛЮ́ЗИЯ *ж* 1 иллюзия, алданиш (борлиқни, воқеликни нотўғри идрок қилишдан ҳосил бўлган сохта тушунча, тасаввур); **опти́ческая** ~ оптик иллюзия; кўзнинг алданиши; 2 *перен.* иллюзия, хом хаёл, пуч хаёл; **предава́ться ~м** пуч хаёлларга берилмоқ; хомтама бўлмоқ.

ИЛЛЮЗО́РНОСТЬ *ж* хаёлийлик, хом хаёллик.

ИЛЛЮЗО́РНЫ/Й, -ая, -ое; -рен, -рна хом хаёл, хаёлий, пуч, амалга ошириб бўлмайдиган, ҳақиқатдан йироқ; **~е наде́жды** хаёлий (пуч) умидлар.

ИЛЛЮМИНА́ТОР I *м* иллюминатор (кема, самолёт ва б.да маҳкам ёпиладиган қалин ойнали тўгарак туйнук, дарча); **бортово́й** ~борт иллюминатори, кема бортидаги иллюминатор.

ИЛЛЮМИНА́ТОР II *м* иллюминатор, чароғбон (иллюминация ишларини бажарувчи мутахассис).

ИЛЛЮМИНАЦИО́ННЫ/Й, ая, -ое иллюминацияга оид; иллюминация...; **~е огни́** иллюминация чироқлари.

ИЛЛЮМИНА́ЦИЯ *ж* иллюминация, чароғбонлик; **пра́здничная** ~ байрам иллюминацияси.

ИЛЛЮМИНИ́РОВАТЬ *сов. и несов. то же, что* **иллюминова́ть.**

ИЛЛЮМИН/ОВАТЬ, -ну́ю, -ну́ешь *сов.* и *несов. что* иллюминация (чароғон) қилмоқ; чироқлар билан безатмоқ; **у́лицы ~о́ваны** кўчалар чироқлар билан безатилган.

ИЛЛЮСТРАТИ́ВНЫЙ, -ая, -ое иллюстратив, тасвирий, кўргазмали; яққол; **~ материа́л** иллюстратив материал; **~ ме́тод** иллюстратив метод, кўргазмали усул.

ИЛЛЮСТРА́ТОР *м* иллюстратор (китоб, журнал ва ш. к. ни безовчи рассом).

ИЛЛЮСТРАЦИО́ННЫЙ, -ая, -ое *то же, что* **иллюстрати́вный.**

ИЛЛЮСТРАЦИ/Я *ж* 1 *то же, что* **иллюстри́рование**; 2 иллюстрация, расм, сурат (китоб, журнал ва ш. к. да); **цветны́е ~и** рангли иллюстрациялар; **кни́га с ~ями** иллюстрацияли (суратли) китоб; расмли китоб; 3 *перен.* ўрнакли мисол, намуна.

ИЛЛЮСТРИ́РОВАНИЕ *с по гл.* **иллюстри́ровать; ~ книг** китобларни расмлар билан безаш; китобларга иллюстрация ишлаш; **~ те́зисов конкре́тными приме́рами** тезисларни конкрет мисоллар билан кўрсатиш (тасдиқлаш); тезисларда конкрет мисоллар келтириш.

ИЛЛЮСТРИ́РОВАННЫЙ, -ая, -ое 1 *прич. от* **иллюстри́ровать**; 2 *в знач. прил.* иллюстрациялар (суратлар) билан безатилган, суратли, иллюстрацияли; **~ журна́л** иллюстрацияли (суратли) журнал.

ИЛЛЮСТРИ́РОВАТЬ *сов.* и *несов. что* 1 иллюстрациялар бермоқ, иллюстрациялар (суратлар) билан безамоқ; **~ кни́гу** китобни расмлар билан безамоқ; 2 *перен.* мисол келтирмоқ, намунали мисоллар билан яққол кўрсатмоқ, тасдиқламоқ, тасвирламоқ, ойдинлаштирмоқ; **~ свою́ мысль цита́тами** ўз фикрини цитаталар билан тасдиқламоқ.

ИЛОВА́Т/ЫЙ, -ая, -ое балчиқ босган, балчиқроқ, лойқароқ; **~ое дно реки́** дарёнинг балчиқ босган туби.

ИЛО́Т *м* 1 илот (қадимги Греция шаҳри Спартада: қул деҳқон); 2 *перен.* ҳақ-ҳуқуқсиз киши, қул.

ИЛЬ *союз уст.* и *разг. то же, что* **и́ли.**

И́ЛЬКА *ж, р. мн.* **и́лек** илька (1 сувсарларга мансуб мўйнали хайвон, Америка сувсари; 2 шу ҳайвоннинг мўйнаси).

ИЛЬКОВ/ЫЙ, -ая, -ое 1 илькага оид; илька...; **~ый мех** илька мўйнаси; 2 илька мўйнасидан қилинган; **~ая шу́ба** илька мўйнасидан қилинган шуба.

И́ЛЬМ *м* элма (қайрағочнинг бир тури).

ИЛЬМЕ́НЬ *м, р.* **-ня́** *обл.* дарёларнинг мансабида ҳосил бўлган кўл.

И́ЛЬМОВ/ЫЙ, -ая, -ое 1 элма дарахтига оид; эльма...; 2 *в знач. сущ.* **~ые** *мн. бот.* элмалар (элма дарахти оиласига мансуб дарахтлар).

ИМ, ИМИ *см.* **он.**

ИМА́М *м* имом.

ИМБИ́РН/ЫЙ, -ая, -ое 1 занжабилга оид; занжабил...; **~ые ли́стья** занжабил барглари; **~ое ма́сло** занжабил мойи; 2 занжабилли, занжабил қўшилган, солинган; **~ое пи́во** занжабилли пиво.

ИМБИ́РЬ, *м, р.* **-ря́** занжабил (1 ўсимлик; 2 шу ўсимлик илдизидан тайёрланган зиравор).

ИМЕ́НИЕ *с* 1 ер-мулк (помещчиклар, дворянлар ер-мулки); **дворя́нское** ~ дворян(лар) ер-мулки; **родово́е ~ авлоддан-авлодга ўтиб келган ер-мулк**; 2 *уст.* мол-мулк.

ИМЕНИ́ННИК *м* именинаси нишонланаётган **киши**; ✦ **смотре́ть ~ом** шод-ҳуррам кўринмоқ; боши осмонда бўлмоқ; **сиде́ть как** ~ *прост.* қўл қовуштириб ўтирмоқ, бекор (талтайиб) ўтирмоқ.

ИМЕНИ́ННИЦА *ж см.* **именинник.**

ИМЕНИ́ННЫЙ, -ая, -ое именинага оид, именинага бағишланган, аталган; именина...; **~ пиро́г** именина пироги, именинага аталган пирог.

ИМЕНИ́НЫ *мн.* 1 именина, исм тўйи (православ ва католикларда бирор авлиё билан отдош кишининг черковда шу авлиё йўқланадиган куни ўтказадиган тўйи, байрами); **за́втра день его́** ~ эртага унинг именина куни; 2 *разг.* туғилган кун ва шу куни ўтказиладиган тўй, зиёфат.

ИМЕНИ́ТЕЛЬНЫЙ: ~ паде́ж *грам.* бош келишик.

ИМЕНИ́ТЫЙ, -ая, -ое номи улуғ, мартабаси баланд, казо, зодагон; **~дворя́нский род** номи улуғ дворянлар авлоди; 2 *разг.* атоқли, маълум, машҳур; **~ писа́тель** машҳур ёзувчи.

ИМЕННО *частица* 1 худди, нақ, айни, аниқ; **~ он** худди шу, худди ўзи; **~ э́ту кни́гу я иска́л** мен худди шу китобни қидирувдим; **ско́лько ~?** аниғи қанча?; 2 *в знач. союза* чунончи, масалан, яъни; **ли́ственные дере́вья, а ~: дуб, берёза, оси́на, ли́па** япроқли дарахтлар, чунончи: дуб, қарағай, тоғтерак, липа; 3 балли, дарҳақиқат, худди; **вот ~!** худди шундай, ҳа балли!

ИМЕНН/ОЙ, -а́я, -о́е 1 исми (номи) ёзилган, номига берилган (ёзилган), бировга аталган; **~о́е ору́жие** эгасининг исми ёзилган қурол; **~о́й чек** олувчининг номи ёзилган чек; 2 *грам.* от категориясига оид; от(лар)...; **~о́е склоне́ние** отларнинг турланиши; ✦ **~о́й спи́сок** номма-ном тузилган рўйхат.

ИМЕНОВАНН/ЫЙ: ~ое число́ *мат.* номли сон (ўлчов бирлиги кўрсатилган сон мас., 6 метр, 3 гектар ва ҳ. к.).

ИМЕНОВА́ТЬ, -ну́ю, -ну́ешь *несов.* (*сов.* **наименова́ть**) *кого-что книжн.* атамоқ, от қўймоқ, ном (исм) бермоқ, ... деб атамоқ.

ИМЕНОВА́ТЬСЯ, -ну́юсь, -ну́ешься *несов* (*сов.* **наименова́ться**) *книжн.* аталмоқ, номланмоқ; деб аталмоқ, дейилмоқ; **~ Васи́лием** Василий деб номланмоқ; оти Василий бўлмоқ.

ИМЕ́ТЬ *несов.* 1 *кого-что* эга бўлмоқ, молик бўлмоқ; қўлида (ихтиёрида ва ҳ. к.) бор бўлмоқ; **~ дете́й** болалари (бор) бўлмоқ; **он име́ет мно́го друзе́й** унинг ўртоқлари кўп (кўп ўртоқлари бор); **он име́ет маши́ну** унинг машинаси бор; **я не име́ю де́нег** менинг пулим йўқ; 2 баъзи отлар билан келиб, шу отларда ифодаланган белги-хусусиятларга эгаликни билдиради; **~ тала́нт** қобилиятига эга бўлмоқ, талантли (таланти бор) бўлмоқ; **~ пра́во** ҳуқуққа эга бўлмоқ; 3 ўлчов билдирувчи сўзлар билан келиб, бирор катталикка (ҳажмга оғирликка ва ҳ. к.) эгаликни билдиради; **бассе́йн име́ет четы́ре ме́тра в диа́метре** бассейннинг диаметри тўрт метр; 4 баъзи отлар билан келиб, шу отлар маъносидан англашиладиган иш-ҳаракатнинг бажарилишини билдиради; **~ примене́ние** қўлланмоқ, татбиқ қилинмоқ, фойдаланилмоқ, амалда бўлмоқ; **~ значе́ние** аҳамиятга эга бўлмоқ; ~

www.ziyouz.com kutubxonasi

хожде́ние муомалада бўлмоқ, ўтмоқ, юрмоқ (пул ҳақида); **не ~ возраже́ний** эътироз билдирмаслик, қаршилиги йўқлик; **5** *уст.* инфинитив шаклидаги феъллар билан келиб келажак замонни билдиради; **за́втра име́ет быть собра́ние** эртага мажлис бўлади; ✦ **~ ме́сто** *книжн.* юз бермоқ, содир бўлмоқ, рўй бермоқ; бўлиб турмоқ; **~ в виду́** *кого-что* назарда (кўзда) тутмоқ; **~ дело́** *с кем-чем* 1) алоқада (муносабатда) бўлмоқ, алоқа қилмоқ; 2) иш кўрмоқ; **~ це́лью (зада́чей)** или **~цель (зада́чу)** *книжн.* вазифа (мақсад) қилиб қўймоқ; мақсади ...дан иборат бўлмоқ; **~ ви́ды** *на кого-что* умид боғламоқ, кутмоқ; **ничего́ не ~ про́тив** *кого-чего* ҳеч қандай ғарази (ёки қаршилиги) йўқлик.

ИМЕ́ТЬСЯ, -е́ется *несов.* бўлмоқ, бор бўлмоқ, мавжуд бўлмоқ; **в чита́льне ~ются но́вые кни́ги** ўқув залида янги китоблар бор; **возраже́ний не ~ется** қаршилик йўқ; **препя́тствий не ~ется** тўсқинлик (монелик) йўқ; **а возмо́жности для э́того ~ются?— Нет, не ~ются** бунинг учун имконият борми?— Йўқ, имконият йўқ.

ИМИТА́ТОР *м* имитатор, тақлидчи, ўхшатувчи (худди ўзи бўлиб кетувчи одам ёки артист).

ИМИТА́ТОРСКИЙ, -ая, -ое имитаторга, тақлидчига оид, хос; тақлидчилик...; **~ тала́нт** тақлидчилик таланти.

ИМИТА́ЦИЯ *ж* **1** *по гл.* **имити́ровать; 2** *чего* ўхшатиб ишланган (ясалган) нарса, ясама; **~ мра́мора** ясама мармар; **~ же́мчуга** ясама марварид; **3** *муз.* имитация (куйнинг бошқа овозда пастроқ ёки баландроқ такрорланиши).

ИМИТИ́РОВАТЬ *несов. кого-что* **1** имитация (тақлид) қилмоқ, ўхшатмоқ, худди ўзи бўлмоқ; **~ пе́ние птиц** қушларнинг сайрашига тақлид қилмоқ; **2** ўхшатиб ясамоқ, ишламоқ; **~ мра́мор** мармарга ўхшатиб ясамоқ (ишламоқ); **3** *муз.* куйни бошқа овозда пастроқ ёки баландроқ такрорламоқ.

ИММАНЕ́НТН/ЫЙ, -ая, -ое; -тен, -тна *книжн.* имманент, ички (бирор ҳодисанинг ички хусусиятига хос бўлган, унинг табиатидан келиб чиқадиган); **~ые причи́ны** имманент (ички) сабаблар.

ИММИГРА́НТ *м* иммигрант, муҳожир (бошқа мамлакатдан кўчиб келган киши).

ИММИГРА́НТКА *ж, р. мн.* **-ток** *см.* **иммигра́нт.**

ИММИГРА́НТСКИЙ, -ая, -ое иммигрантларга оид, иммигрант(лар)...; муҳожир(лар)...

ИММИГРАЦИО́ННЫЙ, -ая, -ое иммиграцияга доир, иммиграцион; иммиграция...; **~е зако́ны** иммиграцион қонунлар, иммиграция қонунлари.

ИММИГРА́ЦИЯ *ж* **1** иммиграция (бошқа мамлакатдан кўчиб келиш); **2** *собир.* иммигрантлар, муҳожирлар; ✦ **~ капита́ла** чет эл капиталининг бирор мамлакатга киритилиши.

ИММИГРИРОВАТЬ *сов.* и *несов.* иммиграция қилмоқ, кўчиб келмоқ.

ИММОБИЛИЗА́ЦИЯ *ж мед.* иммобилизация (бирор аъзони қимирламайдиган қилиб қўйиш, мас., гипслаш).

ИММОБИЛИЗОВАТЬ, -зу́ю, -зу́ешь *сов. мед.* иммобилизация қилмоқ, қимирламайдиган қилиб қўймоқ.

ИММОРТЕ́ЛЬ *м* бўзноч, ўлмасўт (қуриганда ҳам гули ўзгармайдиган ўт).

ИММУНИЗА́ЦИЯ *ж мед.* иммунизация (организмни касал юқмайдиган, касалдан қўрқмайдиган қилиш).

ИММУНИЗИ́РОВАТЬ *сов.* и *несов. кого-что* **1** *мед.* иммунизация қилмоқ, касал юқмайдиган (касалдан қўрқмайдиган) қилмоқ; **~ организ́м** организмни иммунизация қилмоқ; организмда иммунитет ҳосил қилмоқ; **2** *юр.* дахлсизлик ҳуқуқи бермоқ.

ИММУНИТЕ́Т *м* **1** *мед. биол.* иммунитет (организмнинг касал юқтирмаслиги ва касалликларга қарши курашиш қобилияти); **врождённый ~** туғма иммунитет; **приобретённый ~** ҳосил қилинган иммунитет; **2** *юр.* иммунитет, дахлсизлик ҳуқуқи; **дипломати́ческий ~** дипломатик иммунитет (дипломатларнинг шахсий дахлсизлиги).

ИММУ́ННЫЙ, -ая, -ое; -у́нен, -у́нна *мед. биол.* иммунитетли, касал юқмайдиган, баъзи заҳарлар таъсир этмайдиган.

ИММУНО́ЛОГ *м* иммунолог, иммунология мутахассиси.

ИММУНОЛОГИ́ЧЕСК/ИЙ, -ая, -ое иммунологияга оид; иммунологик; иммунология...; **~ие про́бы** иммунологик синовлар (текширувлар); **~ая реа́кция** иммунологик реакция.

ИММУНОЛО́ГИЯ *ж* иммунология (иммунитет назарияси ва тажрибаси билан шуғулланадиган фан).

ИММУНОТЕРА́ПИЯ *ж* иммунотерапия (вакциналар билан даволаш усули).

ИМПЕРАТИ́В *м* **1** *филос.* қатъий талаб, амр, буйруқ **~ до́лга** бурч амри; **нра́вственный ~** ахлоқий талаб; **2** *грам.* буйруқ майли.

ИМПЕРАТИ́ВН/ЫЙ, -ая, -ое; -вен, -вна императив, қатъий, кескин, буйруқ тарзидаги; **~ый тон** императив (қатъий) оҳанг; буйруқ оҳанги; **~ое указа́ние** қатъий кўрсатма.

ИМПЕРА́ТОР *м* император, ҳоқон.

ИМПЕРА́ТОРСКИЙ, ая, -ое императорга оид; император(лар)...

ИМПЕРА́ТРИЦА *ж* **1** император (ҳоқон) хотини; **2** император (ҳоқон) аёл.

ИМПЕ́РИАЛ I *м* империал (Россияда: 1755—1897 йилларда 10 сўмлик, 1897 йилдан кейин 15 сўмлик тилла пул).

ИМПЕ́РИАЛ II *м уст.* империал (кўнка, дилижон ва ҳ. к. нинг одам ўтирадиган иккинчи қавати).

ИМПЕРИАЛИ́ЗМ *м* империализм (монополистик капитализм — капитализмнинг юқори ва сўнгги босқичи); **эпо́ха ~а** империализм даври.

ИМПЕРИАЛИ́СТ *м* империалист; жаҳонгир (*эск.*).

ИМПЕРИАЛИСТИ́ЧЕСК/ИЙ, -ая, -ое империализмга оид, хос; империалистик; **~ие держа́вы** империалистик давлатлар; **~ая война́** империалистик уруш; **~ие противоре́чия** империализмга хос зиддиятлар.

ИМПЕРИАЛИСТИ́ЧЕСКО-СИОНИ́СТСКИЙ, -ая, -ое империалистик-сионистик, империалистлар ва сионистлар...; **агресси́вный ~ алья́нс** империалистлар ва сионистлар альянси (иттифоқи).

ИМПЕ́РИЯ *ж* империя (1 монархияли йирик давлат, монархия давлати; **Ри́мская ~** Рим империяси; 2 колонияларга эга бўлган, қарам халқларни эксплуатация қилувчи йирик агрессив империалистик давлат; **Брита́нская ~** Британия империяси).

ИМПЕ́РСК/ИЙ, -ая, -ое империяга оид; империяга қарашли; империя...; **~ая а́рмия** империя армияси; **~ий ка́нцле́р** империя канцлери.

ИМПЛАНТА́ЦИЯ *ж* имплантация (айрим ҳужайра, тўқима ёки бутун бир аъзони баданнинг бошқа жойига улаб, битказиб юбориш).

ИМПОЗА́НТНО *нареч.* савлат (салобат) билан, савлат тўкиб, басавлат.

ИМПОЗА́НТНОСТЬ *ж* басавлатлик, савлатлилик, салобатлилик; савлат, салобат.

ИМПОЗА́НТН/ЫЙ, -ая, -ое; -тен, -тна басавлат, савлатли, салобатли, келишган; **~ая фигу́ра** басавлат (савлатли) қадди-қомат; **~ая вне́шность** савлатли қиёфа.

ИМПОНИ́РОВА/ТЬ *несов, кому-чему книжн.* яхши (ижобий) таъсир қолдирмоқ, ишонч туғдирмоқ, ўзига жалб этмоқ, ёқмоқ, хуш келмоқ; **его́ зна́ния ~ли нам** унинг билими бизда яхши таъсир қолдирди; **~ть свои́м слу́шателям** ўз тингловчиларига ёқмоқ.

ИМПОРТ *м* импорт (1 чет эллардан мол келтириш; **~ станко́в** чет эллардан станоклар олиш; станокларни импорт қилиш; 2 чет эллардан келтирилган мол; **~ за пятиле́тие** беш йилда (йилликда) чет эллардан келтирилган мол).

ИМПОРТЁР *м спец.* импортёр, импортчи, импорт қилувчи, четдан мол олувчи; **стра́ны-~ы не́фти** нефтни импорт қилувчи (четдан нефть олувчи) мамлакатлар.

ИМПОРТИРОВАТЬ *сов.* и *несов. что* импорт қилмоқ, четдан мол олмоқ (келтирмоқ).

ИМПОРТН/ЫЙ, -ая, -ое 1 импортга, чет элдан мол келтиришга оид; импорт...; **~е по́шлины** импорт пошлинаси (божи); 2 чет элдан келтирилган; импорт...; **~е това́ры** импорт моллар.

ИМПОТЕ́НТ *м* импотент, ҳез.

ИМПОТЕ́НТНЫЙ, -ая, -ое; -тен, -тна 1 жинсий заиф, ҳез; **2** *перен.* заиф, ожиз, нотавон, бўш, кучсиз.

ИМПОТЕ́НЦИЯ *ж* **1** импотенция, жинсий заифлик, ҳезлик; **2** *перен.* заифлик, ожизлик, нотавонлик, бўшлик, кучсизлик.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ИМПРЕСАРИО *м нескл.* импресарио (капиталистик мамлакатларда: хусусий театр томошаларини ташкил этувчи киши, шунингдек артистларнинг гумаштаси, вакили).

ИМПРЕССИОНИЗМ *м* импрессионизм (санъатда рассомнинг, санъаткорнинг ўз субъектив мушоҳадаси, ҳиссиётини ва таассуротларини бевосита акс эттиришга қаратилган оқим).

ИМПРЕССИОНИСТ *м* импрессионист, импрессионизм тарафдори.

ИМПРЕССИОНИСТИЧЕСК/ИЙ, -ая, -ое 1 импрессионизмга оид, хос; импрессионизм услубидаги, импрессионистик; **~ая живопись** импрессионизм услубидаги рассомлик санъати; **~ая музыка** импрессионистик музика; 2 ўз субъектив мушоҳадасига, таассуротларига асосланган.

ИМПРЕССИОНИСТИЧНЫЙ, -ая, -ое; -чен, -чна *то же, что* **импрессионистический** 2.

ИМПРЕССИОНИСТКА *ж, р. мн.* **-ток** *см.* **импрессионист.**

ИМПРЕССИОНИСТСК/ИЙ, -ая, -ое 1 импрессионизмга ва импрессионистларга оид; импрессионизм...; импрессионистик...; **~ая школа живописи** рассомлик санъатида импрессионистик мактаб; **~ие тенденции в литературе** адабиётда импрессионизм тенденциялари; 2 *то же, что* **импрессионистический** 2.

ИМПРОВИЗАТОР *м* импровизатор, бадиҳагўй.

ИМПРОВИЗАТОРСКИЙ, -ая, -ое импровизаторга оид, хос; импровизаторлик...; бадиҳагўйлик...; **~ талант** импровизаторлик таланти; бадиҳагўйлик қобилияти.

ИМПРОВИЗАТОРСТВО *с* импровизаторлик, бадиҳагўйлик.

ИМПРОВИЗАЦИОННЫЙ, -ая, -ое импровизацияга оид, импровизацион; импровизация...

ИМПРОВИЗАЦИЯ *ж* 1 *по гл.* **импровизировать; ~песни** тайёргарликсиз (бирдан) куй яратиш; 2 импровизация, бадиҳа (тайёргарликсиз, яъни ижро пайтида яратилган асар); **блестящая ~** ажойиб импровизация.

ИМПРОВИЗИРОВАНН/ЫЙ, -ая, -ое 1 *прич. от* **импровизировать;** 2 *в знач. прил.* импровизация қилинган, тайёргарликсиз (ижро пайтида) айтилган, яратилган; **~ая речь** тайёргарликсиз сўзланган нутқ; **~ое стихотворение** тайёргарликсиз ёзилган шеър, бадиҳа; 3 *перен. в знач. прил.* тайёргарликсиз (апил-тапил, наридан-бери) тайёрланган, уюштирилган; **~ый обед** тайёргарликсиз (тўсатдан) уюштирилган зиёфат.

ИМПРОВИЗИРОВАТЬ *что* 1 *несов.* импровизация қилмоқ, тайёргарликсиз (ижро пайтида) айтмоқ, тўқимоқ, яратмоқ; **~ на рояле** рояль чалиб туриб куй яратмоқ; 2 *сов. перен. разг.* тайёргарликсиз (апил-тапил, наридан-бери) ташкил этмоқ, уюштирмоқ; **~ ужин для нежданных гостей** ногаҳон келиб қолган меҳмонлар учун апил-тапил кечки овқат ташкил қилмоқ.

ИМПУЛЬС *м книжн.* 1 импульс, ички туртки; бирор ишга ундовчи (интилиш, истак уйғотувчи) сабаб; **волевой ~** ирода импульси; **~ к творчеству** ижодга ундовчи сабаб; 2 *физ.* ҳаракат миқдори; ✦ **электрический ~** электр импульси (электр токи кучининг ёки кучланишнинг муайян ўзгармас қийматидан оний оғишлари); **нервный ~** *физиол.* нерв импульси (нерв системаси бўйлаб тарқалувчи сигналлар).

ИМПУЛЬСИВНЫ/Й, -ая, -ое; -вен, -вна *книжн.* 1 импульсив, ички туртки туфайли юзага келадиган, беихтиёр, ғайри ихтиёрий; **~е движения** беихтиёр ҳаракатлар; 2 ташқи таъсирларга берилувчи, сезгир, таъсирчан; **~й человек** ташқи таъсирга берилувчан (сезгир) одам, таъсирчан одам.

ИМПУЛЬСНЫЙ, -ая, -ое электр импульслари билан боғлиқ бўлган, импульсли; **~ генератор** импульсли генератор.

ИМУЩЕСТВЕННЫ/Й, -ая, -ое мол-мулкка (ва унга эгаликка) оид, мулкий; мол-мулк...; **~й ценз** мулкдорлик цензи; **~е права** мол-мулкка эгалик ҳуқуқлари.

ИМУЩЕСТВО *с* 1 мулк, мол-мулк, амлок; **государственное ~** давлат мулки; 2 *разг.* мол, бисот, дунё.

ИМУЩИ/Й, -ая, -ее мулкдор, амлокдор, бой, бадавлат, давлатманд; **~е классы** мулкдорлар синфи; ✦ **власть ~й** *книжн.* ҳоким, ҳукмдор, ҳокимият эгаси, ҳокимият тепасида турган киши.

ИМЯ *с, р.* **имени,** *мн.* **имена,** *р.* **имён,** *дат.* **именам** 1 исм, ном, от; **как ваше ~?** исмингиз нима?; **дать ~** исм (от) қўймоқ; ном бермоқ; **дать ~ кораблю** кемага ном бермоқ; **назвать по имени** отини айтиб чақирмоқ; **мальчик по имени Павел** Павел исмли бола; **~и отчество** исми ва отасининг исми; 2 кишининг исми ва фамилияси; **дать** *кому-н.* **своё ~** бирор кимсага ўз номини, фамилиясини бермоқ; **на доске почёта имена лучших рабочих** ҳурмат тахтасида энг яхши ишчиларнинг номлари; 3 ном, шуҳрат, донг; **доброе ~** пок ном, яхши ном; **приобрести ~** ном чиқармоқ, шуҳрат қозонмоқ, донг таратмоқ; **учёный с мировым именем** номи дунёга машҳур олим; 4 *грам.:* **~ существительное** от; **~ прилагательное** сифат; **~ числительное** сон; ✦ **имени** *кого-чего* номли, номидаги; **библиотека имени В. И. Ленина** В. И. Ленин номидаги кутубхона; **именем** *кого-чего...* номи билан, ... номидан: **именем матери** она номи билан; **именем закона** қонун номидан, қонун номи билан; **во ~** *кого-чего высок.* учун..., шарафига; **во ~ мира** тинчлик учун; **во ~ дружбы** дўстлик шарафига, дўстлик учун; **на ~** *чьё* 1) номига, отига; **письмо на ~ брата** акамнинг номига хат; **заявление на ~ директора** директор номига ариза; 2) *юр.* номига; **купить дом на ~ жены** хотинининг номига уй сотиб олмоқ; **от имени** *кого* номидан, исмидан; **скажите ему от моего имени** унга менинг номимдан айтинг; **называть вещи своими именами** нарсаларни ўз номи билан атамоқ, тўппа-тўғрисини айтмоқ, рўйирост гапирмоқ.

ИМЯРЕК *м* 1 фалон; 2 фалончи, биров.

ИНАКОМЫСЛИЕ *с* бошқача ўйлаш, бошқача фикрда бўлиш, фикри (маслак-мақсади) бошқачалик.

ИНАКОМЫСЛЯЩИЙ, -ая, -ее 1 бошқа фикрдаги, бошқача ўйловчи, фикри (маслак-мақсади) бошқа; 2 *в знач. сущ.* **~м** бошқача (ўзгача) фикрловчи (ўйловчи) одам; фикри (маслак-мақсади) бошқа одам.

ИНАЧЕ и **ИНАЧЕ** 1 *нареч.* бошқача, ўзгача, бўлакча; бошқача қилиб, бошқача йўл билан; **сделать ~** бошқача қилмоқ; **объяснить ~** бошқача қилиб тушунтирмоқ; **~ я не мог поступить** бошқача йўл тутолмадим, бошқача қилишим мумкин эмас эди; 2 *в знач. противит. союза разг.* бўлмаса, йўқса, акс ҳолда; **торопитесь, ~ опоздаете** тезроқ бўлинг, йўқса кеч қоласиз; ✦ **так или ~** *в знач. вводн. сл.* қандай бўлса ҳам, қандай бўлмасин, ҳар ҳолда; **так или ~, я сделаю это** қандай бўлмасин шу ишни қиламан; **~ говоря** бошқача (қилиб) айтганда; **не ~** *прост.* худди, албатта; **не ~ отец идёт** келаётган худди отам, худди (албатта) отам келяпти.

ИНВАЛИД *м* инвалид, майиб, мажруҳ, ногирон; **~ войны** уруш инвалиди; **~ труда** меҳнат инвалиди.

ИНВАЛИДНОСТЬ *ж* инвалидлик, майиблик, мажруҳлик, ногиронлик; **перевести на ~ь** инвалидликка ўтказмоқ; **пособие по ~ и** инвалидлик учун бериладиган нафақа.

ИНВАЛИДНЫЙ, -ая, -ое инвалидга оид, инвалидлар учун белгиланган; инвалид(лар)...; **~ дом** инвалидлар уйи.

ИНВЕНТАРИЗАЦИОНН/ЫЙ, -ая, -ое инвентаризацияга оид; инвентаризацион; инвентаризация...; **~ая опись** инвентаризация рўйхати; **~ая комиссия** инвентаризация комиссияси.

ИНВЕНТАРИЗАЦИЯ инвентаризация (корхона ёки муассасага қарашли мол-мулкни ҳисобга олиш, рўйхат қилиш); **~ библиотечных фондов** кутубхона фондини инвентаризация қилиш; **~ имущества** мулкни инвентаризация қилиш.

ИНВЕНТАРИЗИРОВАТЬ *сов.* и *несов. что то же, что* **инвентаризовать.**

ИНВЕНТАРИЗОВАТЬ, -зую, -зуешь *сов.* и *несов. что* инвентаризация қилмоқ; **~ имущество** мулкни инвентаризация қилмоқ.

ИНВЕНТАРН/ЫЙ, -ая, -ое инвентарга оид; инвентарь...; **~ый номер** инвентарь номери; **~ый список** инвентарь рўйхати; **~ая книга** инвентарь дафтари.

ИНВЕНТАРЬ *м, р.* **-ря** инвентарь (1 корхона ёки муассасанинг асбоб-ускуналари, мол-мулки, ашё ва анжомлари мажмуи; **сельскохозяйственный ~** қишлоқ хўжалик инвентари; **спортивный ~** спорт инвентари; 2 мол-мулк рўйхати; **составить ~** инвентарь тузмоқ; **занести в ~** инвентарга киритмоқ); ✦ **живой ~** жонли инвентарь (иш ҳай-

www.ziyouz.com kutubxonasi

вонлари, мол ва паррандалар); **мёртвый ~** жонсиз инвентарь (асбоб-ускуна, машина ва ҳ. к.).

ИНВЕРСИ́РОВАННЫЙ, -ая, -ое *лингв.* инверсияланган, ўрни алмашган; **~ поря́док слов в предложе́нии** гапда сўзларнинг инверсияланган (ўрни алмашган) тартиби.

ИНВЕ́РСИЯ *ж лингв.* инверсия (гапда, жумлада сўзларнинг одатдагидан бошқача жойлашиши, ўрни алмашиши).

ИНВЕСТИ́РОВАНИЕ *с по гл.* **инвести́ровать.**

ИНВЕСТИ́РОВАТЬ *сов.* и *несов. что эк.* бирон ишга (корхона ва ҳ. к.га) капитал солмоқ, маблағ сарфламоқ.

ИНВЕСТИЦИО́ННЫЙ, -ая, -ое инвестицияга оид, инвестицион; инвестиция...; **~ банк** инвестицион банк (инвестиция операциялари билан шуғулланадиган банк).

ИНВЕСТИ́ЦИЯ *ж то же, что* **инвести́рование.**

ИНГАЛЯ́ТОР *м мед.* ингалятор (1 ингаляция аппарати; 2 шундай аппаратлар ўрнатилган махсус хона).

ИНГАЛЯТО́РИЙ *м то же, что* **ингаля́тор** 2.

ИНГАЛЯЦИО́ННЫЙ, -ая, -ое *мед.* ингаляцияга оид; ингаляцион; ингаляция...; **~е процеду́ры** ингаляцион процедуралар; **~й ме́тод лече́ния** даволашнинг ингаляцион усули.

ИНГАЛЯ́ЦИЯ *ж мед.* ингаляция (буғ ёки газ ҳолидаги шифобахш нарсалар билан нафас олдириб даволаш).

ИНГРЕДИЕ́НТ *м книжн.* 1 ингредиент (мураккаб бирикма ёки қоришманинг таркибий қисми); 2 *перен.* ажралмас таркибий қисм.

ИНГУ́Ш *м, р.* **-а́** ингуш; *см.* **ингу́ший.**

ИНГУ́ШИ *мн. (ед.* **ингу́ш** *м,* **ингу́шка** *ж)* ингушлар (Чечен-Ингушия автоном республикасида яшовчи, чеченларга яқин халқ).

ИНГУ́ШКА *ж, р. мн.* **-шек** ингуш аёл; *см.* **ингу́ший.**

ИНГУ́ШСКИЙ, -ая, -ое ингушларга оид; ингуш(лар)...; **~ язы́к** ингуш тили.

ИНДЕВЕ́ТЬ *несов. (сов.* **заиндевéть**) қировланмоқ, қиров (шовуқ) боғламоқ, қиров босмоқ.

ИНДЕЕ́Ц *м, р.* **-е́йца** индеец; *см.* **инде́йцы.**

ИНДЕ́ЙКА *ж, р. мн.* **-е́ек** 1 курка (товуғи); 2 курка гўшти; ✦ **судьба́-~** *разг. шутл.* оғир қисмат ҳақида.

ИНДЕ́ЙСКИЙ, -ая, -ое индеецларга оид; индеецлар...; ✦ **~ пету́х** хўроз курка.

ИНДЕ́ЙЦЫ *мн. (ед.* **инде́ец** *м,* **инди́анка I** *ж)* индеецлар (Американинг қадимий туб аҳолиси).

ИНДЕКС *м* 1 индекс, кўрсаткич, рўйхат; **~ книг** китоблар индекси (кўрсаткичи, рўйхати); 2 *эк.* индекс (бирор иқтисодий ҳодисанинг изчил ўзгаришлари процентларда кўрсатилган жадвал); **~ цен** баҳолар индекси; 3 *мат.* индекс (ҳарф ёки рақамларнинг ўнг томонига, кўпинча пастига қўйиладиган ҳарфий ёки рақамий белги, мас., A_7, B_c, N_a ва ҳ. к.); 4 индекс, шартли белги (каталог ва ш. к.да).

ИНДЕКСНЫ́Й, -ая, -ое индексга оид; индекс...; **~е показа́тели** индекс кўрсаткичлари.

ИНДЕТЕРМИНИ́ЗМ *м филос.* индетерминизм (табиат ва жамият ҳодисаларининг объектив қонунларини ва уларнинг ўзаро боғлиқ ҳолда бир-бирини тақозо қилишини инкор этувчи идеалистик фалсафий таълимот; акси — детерминизм).

ИНДЕТЕРМИНИ́СТ *м* индетерминист, индетерминизм тарафдори.

ИНДЕТЕРМИНИСТИ́ЧЕСКИЙ, -ая, -ое индетерминизмга оид; индетерминизмга асосланган, индетерминистик; индетерминизм...

ИНДИА́НКА I *ж, р. мн.* **-нок** индианка; *см.* **инде́йцы.**

ИНДИА́НКА II *ж, р. мн.* **-нок** ҳинди аёл; *см.* **инди́йцы.**

ИНДИВИ́Д *м то же, что* **индиви́дуум.**

ИНДИВИДУАЛИЗА́ЦИЯ *ж по гл.* **индивидуализи́ровать; ~ заня́тий** машғулотларни индивидуаллаштириш.

ИНДИВИДУАЛИЗИ́РОВАТЬ *сов.* и *несов. кого-что* индивидуаллаштирмоқ, индивидуал ёндашмоқ (ўзига хос, индивидуал хусусиятларига кўра алоҳида-алоҳида олиб қарамоқ, белгиламоқ, ёндашмоқ); **~ подхо́д к изуча́емым явле́ниям** ўрганилаётган ҳодисаларга индивидуал ёндашмоқ; **~заня́тия с уча́щимися** ўқувчилар билан ўтказиладиган машғулотларни индивидуаллаштирмоқ (ҳар бир ўқувчининг ўзига қараб белгиламоқ).

ИНДИВИДУАЛИ́ЗМ *м* индивидуализм, шахсиятпарастлик (1 шахсий манфаатларини жамият манфаатларидан юқори қўйиш; «ўзим бўлай» деювчи дунёқараш; 2 ўз шахсиятини, ўзини бошқалардан юқори қўйиш; шундай интилишни ифодаловчи ахлоқий принцип).

ИНДИВИДУАЛИ́СТ *м* индивидуалист, шахсиятпараст.

ИНДИВИДУАЛИСТИ́ЧЕСК/ИЙ, -ая, -ое 1 индивидуализмга ва индивидуалистларга оид; индивидуализм руҳидаги; индивидуалистик...; **~ое направле́ние в иску́сстве** санъатда индивидуалистик йўналиш; 2 индивидуализмга (шахсиятпарастликка) берилган, шахсиятпарастларга хос; шахсиятпарастлик...; **~ая психоло́гия** индивидуалистик психология, шахсиятпарастлик психологияси.

ИНДИВИДУАЛИСТИ́ЧНЫЙ, -ая, -ое; -чен, -чна *то же, что* **индивидуалисти́ческий** 2.

ИНДИВИДУАЛИ́СТКА *ж, р. мн.* **-ток** *см.* **индивидуали́ст.**

ИНДИВИДУАЛИ́СТСКИЙ, -ая, -ое индивидуалистларга хос, шахсиятпарастларча.

ИНДИВИДУА́ЛЬНО *нареч.* якка тартибда, якка-якка, алоҳида; **подходи́ть к ка́ждому ~** ҳар кимга (нарса, масала ва ҳ. к.га) алоҳида ёндашмоқ.

ИНДИВИДУА́ЛЬНОСТЬ *ж* 1 индивидуаллик, ўзига хослик, ўзига хос хусусият; **обрести́ ~** ўз хусусиятларига эга бўлмоқ; **прояви́ть ~** индивидуаллигини намоён қилмоқ, ўз хусусиятини кўрсатмоқ; 2 *книжн.* шахс, индивид, шахсият.

ИНДИВИДУА́ЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое; -лен, -льна 1 индивидуал, ўзига хос; **~ые осо́бенности** индивидуал (ўзига хос) хусусиятлар; 2 айрим, якка, алоҳида, ўзига қарашли; шахсий; **~ое хозя́йство** якка хўжалик; **~ый огоро́д** шахсий полиз; 3 якка тартибдаги, ёлғиз бажариладиган, якка-якка, яккама-якка; **~ый труд** якка (ёлғиз) бажариладиган меҳнат; **~ое соревнова́ние** яккама-якка мусобақа; **~ое строи́тельство** якка тартибдаги қурилиш; 4 индивидуал, алоҳида, айрим, ҳар бир киши бошқа-бошқа; **~ый план** индивидуал план; **~ое обслу́живание** ҳар бир киши учун алоҳида хизмат кўрсатиш; **~ый подхо́д к ка́ждому ученику́** ҳар бир ўқувчига алоҳида ёндашиш; **в ~ом поря́дке** якка тартибда, якка-якка; 5 кам учрайдиган, аҳёнда бўладиган, ноёб; **~ый слу́чай** кам учрайдиган ҳодиса.

ИНДИВИДУУМ *м книжн.* 1 индивидуум (ҳар бир мустақил тирик организм, ҳар бир айрим жонивор ёки ўсимлик); 2 индивид, ҳар бир шахс, киши, кимса.

ИНДИГО *с нескл.* 1 нил бўёғи; 1 тўқ кўк ранг; **пла́тье цве́та ~** тўқ кўк рангли кўйлак.

ИНДИГО́В/ЫЙ, -ая, -ое 1 индигога, нил бўёғига оид; индиго...; нил бўёғи...; **~ое произво́дство** нил бўёғи ишлаб чиқариш; 2 тўқ кўк рангли, тўқ кўк.

ИНДИЕ́Ц *м, р.* **-и́йца** ҳинди, ҳинду; *см.* **инди́йцы.**

ИНДИЙ *м* индий (нодир химиявий элемент, юмшоқ оқ металл).

ИНДИЙСК/ИЙ, -ая, -ое Ҳиндистонга ва ҳиндларга оид; Ҳиндистон...; ҳинд...; **~ая литерату́ра** ҳинд адабиёти; **~ий ша́лк** ҳинд шойиси; **~ий чай** ҳинд чойи.

ИНДИ́ЙЦЫ *мн. (ед.* **инди́ец** *м,* **инди́анка II** *ж)* ҳиндлар (Ҳиндистон аҳолиси).

ИНДИКА́ТОР *м* индикатор (1 *тех.* турли ўлчаш асбобларининг номи; **~ настро́йки** созлаш индикатори; **~ мо́щности** қувват индикатори; 2 химиявий процессларнинг хусусиятини, боришини кўрсатиш учун оз миқдорда қўшиладиган модда; **~ реа́кций** реакциялар индикатори).

ИНДИКА́ТОРН/ЫЙ, -ая, -ое индикатор 1 га оид; индикатор ёрдамида қилинган; индикатор...; **~ая диагра́мма** индикатор диаграмма (индикатор ёрдамида тузилган диаграмма).

ИНДИФФЕРЕНТИ́ЗМ *м книжн.* индифферентизм, лоқайдлик, бепарволик, бефарқлик; ҳеч нарсага қизиқмаслик

ИНДИФФЕРЕ́НТНО *нареч. книжн.* лоқайдлик билан лоқайд, бепарво, бефарқ.

ИНДИФФЕРЕ́НТНОСТЬ *ж книжн.* индифферентлик лоқайдлик, бепарволик, бефарқлик, ҳеч нарсага қизиқмаслик.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ИНДИФФЕРЕ́НТН/ЫЙ, -ая, -ое; -тен, -тна *книжн.* индифферент, лоқайд, бепарво, бефарқ; ҳеч нарсага қизиқмайдиган; **~ое отноше́ние к де́лу** ишга бепарво (бефарқ) қараш; **~ый челове́к** ҳеч нарсага қизиқмайдиган одам, лоқайд одам.

ИНДОЕВРОПЕ́ИСТИКА *ж лингв. разг.* индоевропеистика (ҳинд-европа тилларини қиёсий-тарихий метод асосида ўрганадиган илм).

ИНДОЕВРОПЕ́ЙСКИ/Й, -ая, -ое; ҳинд-европа...; **~е языки́** *лингв.* ҳинд-европа тиллари.

ИНДОЛО́Г *м* ҳиндшунос.

ИНДОЛО́ГИЯ *ж* ҳиндшунослик (Ҳиндистон тарихи, тиллари ва маданиятини ўрганувчи фанлар мажмуи).

ИНДОНЕЗИ́ЕЦ *м, р.* **-и́йца** индонезиялик; *см.* **индонези́йцы.**

ИНДОНЕЗИ́ЙКА *ж, р. мн.* **-и́ек** индонезиялик аёл; *см.* **индонези́йцы.**

ИНДОНЕЗИ́ЙСК/ИЙ, -ая, -ое Индонезияга ва индонезияликка оид; Индонезия...; индонезиялик(лар)...; **~е языки́** индонезия тиллари.

ИНДОНЕЗИ́ЙЦЫ *мн. (ед.* **индонези́ец** *м,* **индонези́йка** *ж)* индонезияликлар (Индонезияда яшовчи халқлар).

ИНДУИ́ЗМ *м* индуизм (Ҳиндистонда энг кенг тарқалган дин).

ИНДУИ́СТСКИЙ, -ая, -ое индуизмга оид; индуизм...

ИНДУКТИ́ВН/ЫЙ, -ая, -ое *спец.* 1 индуктив, индукцияга мосланган; **~ый ме́тод** индуктив метод; **~ое доказа́тельство** индуктив исбот, индукция йўли билан исботлаш; 2 индуктив, индукция ҳодисасига асосланган, индукция туфайли юзага келадиган; **~ая связь** индуктив боғланиш.

ИНДУ́КТОР *м спец.* индуктор (1 ўзгарувчан ток ҳосил қиладиган дастаки электр машина; 2 динамомашиналарда индукцион ток ҳосил қиладиган магнит).

ИНДУКТО́РН/ЫЙ, -ая, -ое индукторга оид; индуктор...

ИНДУКЦИО́НН/ЫЙ, -ая, -ое индукция ҳодисасига асосланган, индукция туфайли ҳосил бўладиган, индукцияланган; индукция асосида ишлайдиган; **~ая ката́ушка** индукцион ғалтак; **~ый ток** индукцион (индукцияланган) ток; **~ые пе́чи** индукцион печлар.

ИНДУ́КЦИЯ *ж спец.* 1 индукция (жузъий ҳодисалардан умумий натижа чиқариш, айрим фактлардан умумий хулосага келиш; акси — дедукция); 2 индукция, индукцияланиш (магнит майдонида ҳаракатланувчи ёки ўзгарувчан магнит майдонида ҳаракатсиз турган ўтказгичда электр токининг юзага келиши, индукцияланиши).

ИНДУЛЬГЕ́НЦИ/Я *ж* индульгенция (гуноҳини кечириш ва шу ҳақда Рим Папаси томонидан бериладиган ёрлиқ); ✦ **вы́дать ~ю** *книжн.* ижозат бермоқ.

ИНДУ́С *м уст.* ҳинду, ҳинди; *см.* **инду́сы.**

ИНДУ́СКА *ж, р.* **-сок** *уст.* ҳинду аёл; *см.* **инду́сы.**

ИНДУ́ССКИЙ, -ая, -ое *уст.* ҳиндуларга оид; ҳинд...

ИНДУСТРИАЛИЗА́ЦИЯ *ж* индустриализация, индустриялаштириш, саноатлаштириш; **~ страны́** мамлакатни индустриялаштириш; **~ хлопково́дства** пахтачиликни индустриялаштириш.

ИНДУСТРИАЛИЗИ́РОВАТЬ *сов.* и *несов. что* индустриялаштирмоқ, саноатлаштирмоқ.

ИНДУСТРИАЛИЗОВА́ТЬ, -зу́ю, -зу́ешь *сов.* и *несов. то же, что* **индустриализи́ровать.**

ИНДУСТРИА́ЛЬНЫ/Й, -ая, -ое индустрияга, саноатга оид, индустриялашган, саноатлашган; саноат...; **~й рабо́чий** саноат ишчиси; **~е стра́ны** индустриялашган мамлакатлар.

ИНДУ́СТРИЯ *ж* индустрия, саноат; **тяжёлая ~** оғир саноат; **лёгкая ~** енгил саноат.

ИНДУСЫ *мн. (ед.* **инду́с** *м,* **инду́ска** *ж)* 1 *уст. то же, что* **инди́йцы;** 2 индуизм динидаги кишилар.

ИНДЮ́К *м, р.* **-а́** курка (хўроз).

ИНДЮША́ЧИЙ и ИНДЮШЕ́ЧИЙ, -ья, -ье куркага оид, курка...

ИНДЮ́ШКА *ж, р. мн.* **-шек** *разг. то же, что* **инде́йка.**

ИНДЮШО́НОК *м, р.* **-нка,** *мн.* **-ша́та** *разг.* курка жўжаси.

ИНЕЙ *м* қиров.

ИНЕ́РТНОСТЬ *ж* 1 *физ. то же, что* **ине́рция** 1; 2 ҳаракатсизлик, фаолиятсизлик, сустлик.

ИНЕ́РТН/ЫЙ, -ая, -ое; -тен, -тна 1 *физ.* инерт, инерцияли; 2 фаолиятсиз, ҳаракатсиз, суст; **~й челове́к** фаолиятсиз одам; ✦ **~е га́зы** инерт газлар (гелий, неон, аргон, криптон, ксенон, радон).

ИНЕРЦИО́НН/ЫЙ, -ая, -ое инерция ҳодисасига асосланган, ундан фойдаланиб ишлайдиган, инерция натижасидаги; инерцион; **~ое движе́ние** инерция туфайли давом этадиган ҳаракат.

ИНЕ́РЦИ/Я *ж* 1 *физ.* инерция (жисмларнинг ташқи таъсир бўлмаса, тинч ёки текис ҳаракатдаги ҳолатини сақлаш хусусияти); **зако́ны ~и** инерция қонунлари; **дви́гаться по ~и** инерция туфайли (эпкини билан) ҳаракатни давом эттирмоқ; 2 *перен. книжн. то же, что* **ине́ртность** 2; ✦ **по ~и** беихтиёр, одати бўйича.

ИНЖЕ́КТОР *м* инжектор (буғ оқими таъсирида ишлайдиган насос тури).

ИНЖЕНЕ́Р *м* инженер; муҳандис *(эск.).*

ИНЖЕНЕ́РН/ЫЙ, -ая, -ое инженерликка, техника ишларига оид; инженерлик...; **~ое де́ло** инженерлик иши; **~ые войска́** инженерлик қўшинлари.

ИНЖЕНЕ́РСКИ/Й, -ая, -ое инженерга оид; **инженерлик...;** инженер...; **~е обя́занности** инженер(лик) вазифалари.

ИНЖИ́Р *м* анжир (дарахти ва меваси).

ИНЖИ́РН/ЫЙ, -ая, -ое анжирга оид, анжирдан қилинган, анжир...; **~ое варе́нье** анжир мураббо.

ИНИСТЫЙ, -ая, -ое *прил. от* **и́ней** қиров босган (боғлаган), қировли.

ИНИЦИА́ЛЫ *мн. (ед.* **инициа́л** *м)* 1 исми ва отаси исмининг бош ҳарфлари; 2 лавҳа (китоб, боб, абзац бошида).

ИНИЦИАТИ́В/А *ж* 1 ташаббус; ташаббускорлик; **твóрческая ~а** ижодий ташаббус; **по со́бственной ~е** ўз ташаббуси билан; 2 ташаббус, ғайрат, ҳаракат; раҳбарлик роли, устунлик; **прояви́ть ~у** ташаббус кўрсатмоқ; **взя́ть ~у в свои́ ру́ки** ташаббусни ўз қўлига олмоқ.

ИНИЦИА́ТИВНОСТЬ *ж* ташаббускорлик, ғайратлилик, серғайратлик.

ИНИЦИАТИ́ВН/ЫЙ, -ая, -ое; -вен, -вна 1 ташаббусли, ташаббускор, ҳаракатчан, серҳаракат, серғайрат, ғайратли; **~ый челове́к** ғайратли одам; **~ая гру́ппа** ташаббускор группа; 2 ташаббускорлик (ишчанлик) талаб қиладиган; **~ое де́йствие** ташаббускорлик билан (кўрсатиб) қилинган ҳаракат.

ИНИЦИА́ТОР *м* ташаббусчи, ташаббускор, бошлаб берувчи; **~ социалисти́ческого соревнова́ния** социалистик мусобақа ташаббускори.

ИНКАССА́ТОР *м* инкассатор (сайёр кассир).

ИНКАССА́ТОРСКИЙ, -ая, -ое инкассаторга оид; инкассатор...; инкассаторлик...

ИНКАССА́ЦИЯ *ж спец.* инкассация (инкассо ишларини олиб бориш, ишонч қоғози билан пул олиш).

ИНКАССИ́РОВАТЬ *сов.* и *несов. что спец.* инкассо ишларини олиб бормоқ, ишонч қоғози билан пул олмоқ.

ИНКА́ССО *с нескл.* инкассо (ваколат қоғози билан пул олиш).

ИН-КВА́РТО *нареч.* ин-кварто, тўртдан бир (чорак) форматда; **кни́га напеча́тана ~** китоб тўртдан бир (чорак) форматда босилган.

ИНКВИЗИ́ТОР *м* 1 *ист.* инквизитор (инквизиция судьяси); 2 *перен.* ёвуз одам, золим, шафқатсиз, бераҳм.

ИНКВИЗИТО́РСКИ/Й, -ая, -ое 1 инквизиторга оид; инквизитор(лар)...; **~е пы́тки** инквизиторлар қийноғи; 2 *перен.* ўсмоқчилаган, синамоли; **~й взгляд** ўсмоқчилаб қараш; 3 *перен.* шафқатсиз, ваҳшиёна, ёвуз.

ИНКВИЗИТО́РСТВО *с* инквизиторлик.

ИНКВИЗИЦИО́ННЫ/Й, -ая, -ое 1 *ист.* инквизицияга оид; инквизиция...; **~й суд** инквизиция суди; 2 *перен.* шафқатсиз, золимларча; ваҳшиёна, ёвуз; **~е приёмы фаши́стских пала́чей** фашист жаллодларининг ваҳшиёна жазо усуллари.

ИНКВИЗИ́ЦИЯ *ж* 1 *ист.* инквизиция (католик черковининг асоратига қарши кишиларни таъқиб ва суд қилиш учун 13—19-асрларда таъсис этилган суд-полиция ташкилоти); 2 *перен. книжн.* қийноқ, азоблаш.

ИНКОГНИТО 1 *нареч.* инкогнито, яширин (ёки бошқа)

www.ziyouz.com kutubxonasi

ном билан, исмини яшириб (билдирмай); **путеше́ствовать ~** яширин ном билан саёҳат қилмоқ; 2 *в знач. сущ ~ с нескл.* яширин ном билан юриш; **~ раскры́лось** номини яшириб юрганлиги очилиб (маълум бўлиб) қолди; 3 *в знач. сущ. ~м* и *с нескл.* номини яшириб юрган одам.

ИНКОРПОРА́ЦИЯ *ж* инкорпорация (1 *книжн.* ўз составига киритиш, қўшиб олиш, қўшиш; қўшилиб бир бўлиб кетиш; 2 *юр.* амалдаги қонунларни ўзгаришсиз системага солиб бир мажмуага тўплаш).

ИНКОРПОРИ́РОВАТЬ *сов.* и *несов. что* инкорпорация қилмоқ.

ИНКРИМИНИ́РОВАТЬ *сов.* и *несов. что кому книжн.* айбламоқ, айб қўймоқ; *~ кому-л.* **взя́тку** бировни пора олишда айбламоқ.

ИНКРУСТА́ЦИ/Я *ж* 1 *по гл.* **инкрусти́ровать**; 2 инкрустация, қадама нақш; **изде́лия с перламу́тровой ~ей** садаф қадалган буюмлар.

ИНКРУСТИ́РОВАНН/ЫЙ, -ая, -ое 1 *прич. от* **инкрусти́ровать**; 2 *в знач. прил.* қадама нақшли, нақшин; **~ая ме́бель** қадама нақшли мебель; нақшин мебель.

ИНКРУ́СТИРОВАТЬ *сов.* и *несов. что* инкрустациялаmоқ, бирор нарса (ёғоч, садаф, суяк ва ш. к.) қадаб нақш солмоқ, нақшламоқ, безамоқ; **~ ва́зу** вазани қадама нақш билан безамоқ.

ИНКУБА́ТОР *м* инкубатор.

ИНКУБАТО́РИЙ *м* инкубатория, инкубаторхона.

ИНКУБАТО́РН/ЫЙ, -ая, -ое 1 инкубаторга, инкубаторияга оид, инкубатор...; **~ая ста́нция** инкубатор станцияси; 2 инкубаторда чиқарилган; инкубатор...; **~ые цыпля́та** инкубатор жўжалари.

ИНКУБАЦИО́ННЫЙ I, -ая, -ое *мед.* инкубация I га оид; инкубацион, яширин, инкубация...; **~ пери́од** инкубация даври (касалликнинг яширин даври).

ИНКУБАЦИО́ННЫ/Й II, -ая, -ое инкубация II га (инкубаторда жўжа чиқаришга) оид; шунинг учун белгиланган; инкубация...; **~й аппара́т** инкубация аппарати; **~е рабо́ты** инкубация ишлари.

ИНКУ́БАЦИЯ I *ж мед.* инкубация (юқумли касалликнинг яширин даври).

ИНКУ́БАЦИЯ II *ж* инкубация (инкубаторда жўжа очириш).

ИНКУНАБУ́ЛЫ *мн. (ед.* **инкуна́була** *ж)* инкунабулалар (ҳарф териш йўли билан чиқарилган дастлабки китоблар).

ИНОБЫТИЕ *с филос.* борлиқнинг бошқача шакли, кўриниши.

ИНОВЕ́РЕЦ *м, р.* **-рца** *уст.* ғайридин, бошқа диндаги (дини бошқа) киши.

ИНОВЕ́РКА *ж, р. мн.* **-рок** *см.* **инове́рец**.

ИНОВЕ́РН/ЫЙ, -ая, -ое *уст.* бошқа диндаги, бошқа динга эътиқод қилувчи, ғайридин.

ИНОВЕ́РЧЕСКИЙ, -ая, -ое *уст. то же, что* **инове́рный**.

ИНОГДА *нареч.* 1 баъзан, баъзида, баъзи вақтда, гоҳо; онда-сонда, аҳён-аҳёнда; ора-сира; 2 айрим ҳолларда.

ИНОГОРО́ДН/ИЙ, -яя, -ее 1 бошқа шаҳарлик, бошқа шаҳарда турувчи; бошқа шаҳардан келган; **~ий жи́тель** бошқа шаҳарда турувчи (ёки бошқа шаҳардан келган) киши; 2 бошқа шаҳарга юбориладиган; **~яя корреспонде́нция** бошқа шаҳарга юбориладиган хат-хабар; 3 *в знач. сущ.* **~ий** *м* келгинди, бегона (революциядан илгариги Россиянинг казаклар яшайдиган областларига келиб қолган, лекин казаклар табақасига мансуб бўлмаган деҳқон).

ИНОЗЕ́МЕЦ *м, р.* **-мца** *уст.* чет эллик, чет эл кишиси, ажнабий.

ИНОЗЕ́МКА *ж, р. мн.* **-мок** *уст.* чет эллик аёл.

ИНОЗЕ́МНЫ/Й, -ая, -ое *уст.* чет элга ва чет элликларга оид; чет эл(лар)...; чет эллик(лар); чет..., ажнабий; **~е языки́** чет тиллар; **~е захва́тчики** чет эл босқинчилари.

ИНО́Й, -а́я, -о́е 1 бошқа, ўзга, бўлак; бошқача; **соверше́нно ~ вид** мутлақо бошқа (бошқача) кўриниш; **быть ино́го мне́ния** бошқа (бошқача) фикрда бўлмоқ; **нет ино́го вы́хода** бошқа илож йўқ; 2 баъзи, баъзи бир, бир хил; **в ины́х слу́чаях** баъзи ҳолларда (вақтларда); **ины́е лю́ди** баъзи (бир хил) одамлар; 3 *в знач. сущ.* **~м биров, баъзи** бир (бир хил) одам, кимдир; **ино́му э́то мо́жет и не понра́виться** бошқа бировга бу ёқмаслиги (ҳам) мумкин; **Бегу́т: ино́й с дубьём, Ино́й с ружьём** (Крылов) Ҳамма югурган: кимдир таёқ кўтарган, кимдир милтиқ (кўтарган); ✦ **не что ино́е, как...** *разг.* ... дан бошқа эмас, худди... ўзи, **не что ино́е, как ложь** ёлғоннинг ўзгинаси. ёлғондан бошқа нарса эмас; **не кто ~, как ...** бошқа эмас, ўшанинг худди ўзи; **э́то сказа́л не кто ~, как ты** буни сендан бошқа ҳеч ким айтмаган; буни худди сен ўзинг айтгансан; **ино́е де́ло** (бу) бошқа иш (бошқа гап); **~ раз** *разг.* баъзан, баъзида, баъзи вақтда, гоҳида.

ИНОК *м уст. то же, что* **мона́х**.

ИНОКИ́НЯ *ж уст. то же, что* **мона́хиня**.

ИН-ОКТА́ВО *с нареч.* ин-октаво, саккиздан бир (нимчорак) форматда.

ИНОМЫСЛИЕ *с уст.* бошқача ўйлаш, бошқа фикрда бўлиш, фикри бошқалик.

ИНОНАЦИОНА́ЛЬНЫЙ, -ая, -ое бошқа миллатга мансуб, бошқа миллатдаги, миллати бошқа.

ИНОПЛАНЕТН/ЫЙ, -ая, -ое бошқа планетага оид; бошқа планетадаги; бошқа планеталик; **~ая цивилиза́ция** бошқа планетадаги цивилизациялар.

ИНОПЛАНЕТЯ́НИН *м, мн.* **-я́не** бошқа планетада яшаши кўзда тутилган (бошқа планетада яшовчи) киши, бошқа планеталик.

ИНОПЛЕМЕ́ННИК *м уст.* бошқа қабилалик (бошқа қабилага мансуб, қабиласи бошқа) киши.

ИНОПЛЕМЕ́ННИЦА *ж. уст. см.* **иноплеме́нник**.

ИНОПЛЕМЕННО́Й, -ая, -ое *уст.* бошқа қабилага (халққа) мансуб, қабиласи бошқа.

ИНОРОДЕ́Ц *м, р.* **-дца** *уст.* ғайритабаа (чор Россиясида руслардан бошқа халқларга, хусусан шарқ халқларига берилган ном).

ИНОРО́ДЧЕСК/ИЙ, -ая, -ое *прил. от* **инороде́ц** *уст.* ғайритабааларга мансуб; ғайритабаа...; **~ое населе́ние** ғайритабаа аҳоли.

ИНОСКАЗА́НИ/Е *с* киноя, истиора, шама, кесатиқ, қочирим; **говори́ть ~ями** киноя (шама) билан гапирмоқ, қочирим қилмоқ.

ИНОСКАЗА́ТЕЛЬНО *нареч.* киноя (шама) билан, киноя (шама, қочирим) қилиб, кесатиб; **выража́ться ~** киноя (шама) қилиб гапирмоқ; қочирим қилмоқ.

ИНОСКАЗА́ТЕЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое; -лен, -льна киноявий, истиорали; шамали, қочиримли; киноядан (қочиримдан) иборат бўлган; **~ое выраже́ние** киноявий гап; қочирим ибора.

ИНОСТРА́НЕЦ *м, р.* **-нца** чет эллик, чет эл кишиси, ажнабий.

ИНОСТРА́НКА *ж, р. мн.* **-нок** *см.* **иностра́нец**.

ИНОСТРА́НН/ЫЙ, -ая, -ое чет элларга ва чет элликларга оид; ажнабий, чет; **~ые языки́** чет тиллар; **~ая валю́та** чет эл валютаси; **~ые фи́рмы** чет эл фирмалари; 2 чет эллардан келтирилган; **~ые това́ры** чет эллардан келтирилган моллар; 3 ташқи сиёсатга, хорижий ишларга оид, хорижий, ташқи; **министе́рство ~ых дел** ташқи ишлар министрлиги.

ИНОСТРА́НЩИНА *ж разг.* чет элларга мансуб ҳамма нарса (маданият, одат, мода ва ҳ. к.).

ИНОХО́ДЕЦ *м, р.* **-дца** йўрға (от).

ИНОХОДЬ *ж* йўргалаш, йўрғалаб юриш.

ИНОЧЕСКИЙ, -ая, -ое *уст. то же, что* **мона́шеский**.

ИНОЧЕСТВО *с уст. то же, что* **мона́шество**.

ИНОЯЗЫЧН/ЫЙ, -ая, -ое 1 бошқа тилда гапирувчи. тили бошқа; **~ое населе́ние** бошқа тилда гапирувчи аҳоли; 2 бошқа тилга оид, мансуб, хос; бошқа тилдаги; **~ое сло́во** бошқа тилга хос сўз.

ИНСЕКТИЦИ́ДЫ *мн. (ед.* **инсектици́д** *м) хим.* инсектицидлар (зарарли ҳашаротларга қарши моддалар, дорилар).

ИНСИНУА́ТОР *м книжн.* туҳматчи, бўҳтончи, туҳматлар (бўҳтонлар) уюштирувчи, фитначи, қитмир.

ИНСИНУА́ЦИЯ *ж книжн.* туҳмат, бўҳтон, иғво; туҳмат (бўҳтон) уюштириш; фитна, қитмирлик.

ИНСИНУ́ИРОВАТЬ *сов.* и *несов. книжн.* туҳмат (бўҳтон) уюштирмоқ, фитна солмоқ.

ИНСПЕКТИ́РОВАНИЕ *с по гл.* **инспекти́ровать**; **~ под-**

www.ziyouz.com kutubxonasi

ве́домственных учрежде́ний қарамоғидан ташкилотларни назорат қилиш; қарамоғидаги ташкилотлар устидан назорат.

ИНСПЕКТИРОВАТЬ *несов. кого-что* текширмоқ, назорат қилмоқ, текшириб (назорат қилиб) турмоқ; **~шко́лы** мактабларни текширмоқ; **~ войска́** қўшинларни текширмоқ.

ИНСПЕ́КТОР *м, мн.* **-а́** 1 инспектор, назоратчи; **фина́нсовый ~** молия инспектори; **санита́рный ~** санитария инспектори; 2 инспектор (революциядан илгари Россияда: ўқув юрти директорининг илмий-тарбиявий ишлар бўйича ёрдамчиси).

ИНСПЕ́КТОРСК/ИЙ, -ая, -ое инспекторга (назоратчига) оид; инспектор...; инспекторлик...; **~ая до́лжность** инспекторлик лавозими.

ИНСПЕКЦИО́НН/ЫЙ, -ая, -ое инспекцияга, назорат ишларига оид; назорат қилувчи; инспекция...; назорат...; **~ые о́рганы** инспекция (назорат) органлари; **~ая пое́здка** назорат (текшириш) учун бориш.

ИНСПЕ́КЦИ/Я *ж* 1 инспекция, текшириш, назорат қилиш, назорат; **производи́ть ~ю** текшириш ўтказмоқ; 2 инспекция (назорат органи); **санита́рная ~я** санитария инспекцияси; **автомоби́льная ~я** автомобиль инспекцияси.

ИНСПИРА́ТОР *м книжн.* фитна (иғво ёки қўзғолон, норозилик ва ҳ. к.) уюштирувчи; йўлга солувчи, ундовчи.

ИНСПИРА́ЦИЯ *ж книжн. то же, что* **инспири́рование.**

ИНСПИРИ́РОВАНИЕ *с книжн. по гл.* **инспири́ровать.**

ИНСПИРИ́РОВАТЬ *сов.* и *несов. книжн.* 1 *кого-что* авраб онгига сингдирмоқ, йўлга солмоқ, йўлдан урмоқ, чалғитмоқ, васваса қилмоқ; **~ общественное мне́ние** жамоатчилик фикрини чалғитмоқ; 2 *что* ундаб (йўл-йўриқ кўрсатиб, йўлга солиб) юзага келтирмоқ, кўтармоқ, уюштирмоқ; **~ восста́ние** қўзғолон уюштирмоқ, қўзғолон кўтартирмоқ; **~ проте́ст** *против чего-л.* йўл-йўриқ кўрсатиб норозилик уюштирмоқ.

ИНСТА́НЦИ/Я *ж* инстанция, босқич; **вы́сшая ~я** энг юқори инстанция; **ни́зшая ~я** қуйи инстанция; **суд пе́рвой ~и** биринчи босқич суд, қуйи суд.

ИНСТИ́НКТ *м* 1 инстинкт (туғма ҳис-туйғу, сезги); **~ самосохране́ния** ўзини сақлаш инстинкти; 2 сезги, ҳис қилиш, сезиш, сезгирлик; беихтиёр ҳаракат; **по ~у** сезиб, сезгирлик билан; **Инсти́нкт подска́зывал ему́, что э́тот челове́к мо́жет быть поле́зен** (А. Н. Толстой) Сезгиси (сезгирлиги) унга бу одамнинг фойдали бўлиб чиқиши мумкинлигини айтиб турарди.

ИНСТИНКТИ́ВНО *нареч.* инстинктив (ғайри ихтиёрий) равишда, беихтиёр; **он ~ огляну́лся** у беихтиёр қайрилиб қаради.

ИНСТИНКТИ́ВНОСТЬ *ж* инстинктивлик, беихтиёрлик.

ИНСТИНКТИ́ВН/ЫЙ, -ая, -ое; -вен, -вна 1 *биол.* инстинктга асосланган, инстинкт туфайли бўладиган; **~ая де́ятельность** инстинктга асосланган фаолият (ҳаракат); 2 беихтиёр, инстинктив, ихтиёрсиз; ғайри ихтиёрий; **~ое чу́вство** инстинктив ҳис-туйғу; **~ое движе́ние** ихтиёрсиз ҳаракат.

ИНСТИТУ́Т *м* институт (1 баъзи олий ўқув юртлари ва илмий муассасалар номи; **педагоги́ческий ~** педагогика институти; **нау́чно-иссле́довательский ~** илмий-текшириш институти; 2 революциядан илгариги Россияда: ёпиқ ўқув муассасаси; **~ благоро́дных деви́ц** аслзода қизлар мактаби; 3 *книжн.* жамият томонидан белгиланган ва қоида тусини олган тартиблар; **~ правовы́х отноше́ний** ҳуқуқий муносабатлар институти; **~ бра́ка** никоҳ тартиби).

ИНСТИТУ́ТКА *ж, р. мн.* **-ток** институтка (революциягача: махсус хотин-қизлар мактаби толибаси).

ИНСТИТУ́ТСК/ИЙ, -ая, -ое 1 институт 1, 2 га оид; институт...; **~ое общежи́тие** институт ётоқхонаси; 2 *разг. уст.* институтка(лар)га хос; **~ая на́ивность** институткаларга хос соддалик.

ИНСТРУКТА́Ж *м* 1 *то же, что* **инструкти́рование;** 2 инструктаж, йўл-йўриқ, йўлланма, кўрсатма; **получи́ть ~** инструктаж (кўрсатма) олмоқ.

ИНСТРУКТИ́ВН/ЫЙ, -ая, -ое инструкция (йўлланма, кўрсатма) берадиган; йўл-йўриқ кўрсатувчи, инструктив; **~ый докла́д** инструктив доклад; **~ая бесе́да** инструктив суҳбат.

ИНСТРУКТИ́РОВАНИЕ *с по гл.* **инструкти́ровать; ~ уполномо́ченных** вакилларга инструктаж бермоқ.

ИНСТРУКТИ́РОВАТЬ *сов.* и *несов. кого-что* инструктаж (кўрсатма) бермоқ, йўл-йўриқ кўрсатмоқ; **~ командиро́в отделе́ний** бўлим командирларига кўрсатма бермоқ.

ИНСТРУ́КТОР *м, мн.* **-ы** и **-а́** инструктор; **~ по тури́зму** туризм бўйича инструктор.

ИНСТРУ́КТОРСКИ/Й, -ая, -ое инструкторга оид; инструктор... инструкторлик...; **~е ку́рсы** инструкторлар тайёрлайдиган курс, инструкторлик курси.

ИНСТРУ́КЦИ/Я *ж* инструкция, қўлланма, йўл-йўриқ; **получи́ть ~ю** кўрсатма олмоқ; **де́йствовать по ~и** инструкция бўйича иш олиб бормоқ.

ИНСТРУМЕ́НТ *м* 1 инструмент, асбоб; **слеса́рный ~** слесарлик асбоби; 2 *собир.* асбоблар (бир мақсад учун белгиланган асбоблар мажмуи); 3 чолғу (музика) **асбоби; стру́нные ~ы** торли музика асбоблари; **клави́шные ~ы** клавишли музика асбоблари; **уда́рный ~** уриб чалинадиган (урма) музика асбоби; 4 *перен. чего* восита, қурол, йўл, усул; **~ позна́ния** билиш воситаси.

ИНСТРУМЕНТАЛИ́СТ *м спец.* музикачи, чолғучи, машшоқ, созанда.

ИНСТРУМЕНТА́ЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое 1 асбобга оид; асбоб ишлаб чиқарадиган; асбоб(лар)...; асбобсозлик...; **~ая мастерска́я** асбоблар қилинадиган ишхона, асбобсозлик устахонаси; 2 асбоб ясаш учун ишлатиладиган, асбоббоп; асбобсозлик...; **~ая сталь** асбоб қилинадиган пўлат; асбобсозлик пўлати; 3 *в знач. сущ.* **~ая** *ж* асбобсозлик устахонаси; асбоблар сақланадиган хона; 4 *муз.* чолғу асбобларида ижро этиладиган; чолғу...; **~ая му́зыка** чолғу музика(си).

ИНСТРУМЕНТА́ЛЬЩИК *м* асбобсоз, асбоблар ясовчи уста; **сле́сарь- ~** асбобсоз слесарь.

ИНСТРУМЕНТА́РИЙ *м* асбоблар (бирор соҳада ишлатиладиган асбоблар мажмуи); **хирурги́ческий ~** хирургия асбоблари.

ИНСТРУМЕНТОВА́ТЬ, -ту́ю, -ту́ешь *сов.* и *несов. что* чолғулаштирмоқ, чолғуга (оркестрга) солмоқ.

ИНСТРУМЕ́НТОВКА *ж* 1 *муз.* чолғулаштириш (музика асарини оркестр ёки музика асбоблари ансамбли ижроси учун мослаш) чолғуга (оркестрга) солиш; 2 *муз.* инструментовка, оркестровка (музика назариясининг музика асарларини оркестрга солиш принциплари ва чолғу асбобларининг хусусиятлари ҳақидаги бўлими); 3 *перен. лит.* шеърни оҳангдор қилиш, шеърда оҳангдош товушлар танлаш.

ИНСУЛИ́Н *м* инсулин (қорин ости безида ишлаб чиқариладиган ва қонда қанд моддасининг кўпайишига тўсқинлик қиладиган гормон).

ИНСУЛИ́НОВ/ЫЙ, -ая, -ое инсулинга оид; инсулинли; инсулин...; **~ый препара́т** инсулин препарати; **~ая терапи́я** инсулин терапияси, инсулин билан даволаш.

ИНСУ́ЛЬТ *м* инсульт (бош мияга қон қуйилиши ёки мия томирларига лахта қон тиқилиши натижасида рўй берадиган оғир касаллик).

ИНСУРГЕ́НТ *м уст.* қўзғолон қатнашчиси, қўзғолончи, исёнчи.

ИНСЦЕНИ́РОВАТЬ *сов.* и *несов. что* 1 саҳналаштирмоқ (бирор бадиий асарни театр саҳнаси ёки кинода қўйишга мосламоқ); **~ рома́н** романни саҳналаштирмоқ; 2 *перен. книжн.* муғомбирлик қилмоқ, ўзини бирор кўйга солмоқ; **~ о́бморок** ўзини ҳушдан кетган қилиб кўрсатмоқ, ёлғондан ҳушдан кетмоқ.

ИНСЦЕНИРО́ВКА *ж, р. мн.* **-вок** 1 *по гл.* **инсцени́ровать;** 2 саҳналаштирилган асар, томоша.

ИНТЕГРА́Л *м* интеграл (олий математикада: чексиз кичик сонлар йиғиндиси сифатида қараладиган бутун миқдор); **найти́ ~** интегрални топмоқ.

ИНТЕГРА́ЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое интегралга оид; интеграл...; **~ое исчисле́ние** интеграл ҳисоб (чексиз кичик сонлар йиғиндисини ҳисоблаш).

ИНТЕГРА́ТОР *м мат.* интегратор (баъзи интегралларни автоматик равишда ҳисоблайдиган махсус асбоб).

ИНТЕГРА́ЦИЯ *ж* 1 *то же, что* **интегри́рование;** 2 интеграция (турли мамлакатлар иқтисодий ҳаётининг ягона иқтисодий сиёсат асосида ўзаро боғланган ҳолда ривожла-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ниш формаси); **социалисти́ческая ~ социалистик интеграция** (Ўзаро Иқтисодий Ёрдам кенгашига кирган социалистик давлатлар интеграцияси).

ИНТЕГРИ́РОВАНИЕ *с по гл.* **интегри́ровать.**

ИНТЕГРИ́РОВАТЬ *сов.* и *несов. что* 1 бир бутун қилиб бирлаштирмоқ; яхлит ҳолга келтирмоқ; 2 *мат.* интеграллаш (берилган функциянинг, математик ифоданинг интегралини топмоқ, аниқламоқ).

ИНТЕЛЛЕ́КТ *м* интеллект, ақл, идрок, заковат; ақлий жиҳатдан етуклик; **высо́кий ~** юксак ақл-идрок.

ИНТЕЛЛЕКТУА́Л *м разг. ирон.* ақл-идрок эгаси; ақл-заковатли одам, закий, зукко.

ИНТЕЛЛЕКТУА́ЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое; -лен, -льна интеллектуал, ақлий; маънавий; заковатли; **~ые спосо́бности** интеллектуал қобилият, заковат; **~ый челове́к** закий (зукко) одам; заковатли одам; **~ый труд** интеллектуал (ақлий) меҳнат; **~ая жизнь** маънавий ҳаёт.

ИНТЕЛЛИГЕ́НТ *м* интеллигент, ўқимишли, зиёли.

ИНТЕЛЛИГЕ́НТКА *ж, р. мн.* **-ток** *разг. см.* **интеллиге́нт.**

ИНТЕЛЛИГЕ́НТНОСТЬ *ж* интеллигентлик, ўқимишлилик, зиёлилик.

ИНТЕЛЛИГЕ́НТНЫЙ, -ая, -ое; -тен, -тна интеллигент, ўқимишли, маданий; **~ челове́к** ўқимишли одам; **~ вид** маданий кўриниш.

ИНТЕЛЛИГЕ́НТСКИЙ, -ая, -ое ўқимишли кишиларга (зиёлиларга) хос.

ИНТЕЛЛИГЕ́НЦИЯ *ж* 1 интеллигенция (аҳолининг ақлий меҳнат билан шуғулланувчи социал қатлами); 2 *собир.* интеллигентлар, зиёлилар; **сове́тская ~** совет интеллигенцияси; **наро́дная ~** халқ интеллигенцияси; **твóрческая ~** ижодий интеллигенция.

ИНТЕНДА́НТ *м* интендант (армияда моддий таъминот ҳизматини бажарувчи ҳарбий ходим).

ИНТЕНДА́НТСК/ИЙ, -ая, -ое интендантга ва интендантликка хос; интендант...; интендантлик...; **~ая слу́жба** интендантлик хизмати; **полко́вник ~ой слу́жбы** интендантлик хизмати полковниги.

ИНТЕНДА́НТСТВО *с* интендантлик (армиянинг хўжалик-таъминот ишларини бошқарувчи ҳарбий муассаса, бўлим).

ИНТЕНСИ́ВНО *нареч.* интенсив равишда, зўр бериб, ғайрат билан, шиддат билан; барқ уриб, қизғин.

ИНТЕНСИ́ВНОСТЬ *ж* интенсивлик, жадаллик, тезлик, қизғинлик; ғайрат, шиддат; **~ у́личного движе́ния** кўча ҳаракатининг интенсивлиги.

ИНТЕНСИ́ВН/ЫЙ, -ая, -ое; -вен, -вна 1 интенсив, жадал, тез, қизғин, шиддатли; **~ый труд** қизғин меҳнат; 2 серунум, серҳосил; **~ая систе́ма се́льского хозя́йства** қишлоқ хўжалигининг интенсив (серунум) системаси; 3 қуюқ, тўқ (ранг, тус ҳақида).

ИНТЕНСИФИКА́ЦИЯ *ж* интенсификация, кучайтириш, зўрайтириш, жадаллаштириш, самарали қилиш, унумдорлигини ошириш; **~ се́льского хозя́йства** қишлоқ хўжалигининг унумдорлигини ошириш, қишлоқ хўжалигини самарали қилиш.

ИНТЕНСИФИЦИРОВАТЬ *сов.* и *несов. что книжн.* кучайтирмоқ, жадаллаштирмоқ, зўрайтирмоқ; самарали қилмоқ, унумдорлигини оширмоқ; **~ произво́дственные проце́ссы** ишлаб чиқариш процессларининг унумдорлигини оширмоқ.

ИНТЕРВА́Л *м* 1 интервал, ўртадаги масофа, ора, оралиқ; **~ ме́жду автомаши́нами, дви́жущимися в коло́нне** колонада бораётган автомашиналар ўртасидаги оралиқ; 2 интервал, вақт оралиғи; **поезда́ прохо́дят с ~ом в де́сять мину́т** поездлар ҳар ўн минутда ўтиб турарди; 3 *муз. физ.* интервал, парда ораси; **гармони́ческие ~ы** гармоник интервеллар.

ИНТЕРВЕ́НТ *м* интервент, интервенциячи, босқинчи, интервенция қатнашчиси.

ИНТЕРВЕНЦИОНИ́СТ *м* интервенциячи, интервенция (босқинчилик) тарафдори.

ИНТЕРВЕНЦИОНИ́СТСК/ИЙ, -ая, -ое интервенциячиликдан (босқинчиликдан) иборат бўлган, интервенцияга қаратилган, интервенциячилик..., босқинчилик...; **~ая поли́тика** интервенциячилик (босқинчилик) сиёсати.

ИНТЕРВЕНЦИО́ННЫ/Й, -ая, -ое интервенция учун белгиланган, интервенцион, интервенциячи, босқинчи; **~е войска́** интервенциячи қўшинлар, босқинчилар қўшини.

ИНТЕРВЕ́НЦИЯ *ж* интервенция, босқинчилик (ўзга давлат ерига қурол, куч билан бостириб кириш, унинг ички ишларига зўравонлик билан аралашиш); **вооружённая ~** қуролли интервенция.

ИНТЕРВИ́ДЕНИ/Е *с* интервидение (социалистик ва баъзи капиталистик давлатларнинг халқаро телевидение ташкилоти); **переда́чи по ~ю** интервидение кўрсатувлари.

ИНТЕРВЬЮ *с нескл.* интервью (мухбирнинг бирор арбоб билан суҳбати); **дать ~ корреспонде́нтам** мухбирларга интервью бермоқ; **получи́ть ~** интервью олмоқ.

ИНТЕРВЬЮЕ́Р *м книжн.* интервью олган (ўтказувчи) журналист.

ИНТЕРВЬЮИ́РОВАТЬ *сов.* и *несов. кого-что книжн.* интервью олмоқ, мусоҳаба қилмоқ, суҳбат ўтказмоқ, суҳбатлашмоқ; **~ изве́стного музыка́нта** машҳур музикачидан интервью олмоқ.

ИНТЕРЕ́С *м* 1 қизиқиш, диққат, эътибор; **проявля́ть ~** қизиқмоқ, диққат (эътибор) бермоқ, қизиқиб (қизиқиш билан) қарамоқ; **вызыва́ть (возбужда́ть) о́бщий ~** ҳаммада қизиқиш уйғотмоқ, ҳаммани қизиқтирмоқ; ҳамманинг диққат-эътиборини тортмоқ; 2 қизиқарли томон; қизиқ (қизиқтирадиган, қизиқарли) нарса; **расска́з, по́лный ~а** қизиқарли жойлари кўп ҳикоя; 3 аҳамият, қиммат, муҳимлик; **де́ло, име́ющее о́бщественный ~** жамият аҳамиятига эга бўлган иш; 4 *мн.~ы* талаб, эҳтиёж, истак, ҳавас, қизиқиш; ташвиш; **духо́вные ~ы** маънавий талаблар; **круг ~ов** қизиқиш доираси; **широ́та ~ов** қизиқиш доирасининг кенглиги;— **Неуже́ли, кро́ме гриб о́в и кулебя́ки, нет други́х ~ов в жи́зни?** (Чехов) Наҳотки, ҳаётда қўзиқорин ва кулебяка сомсадан бошқа қизиқарли нарса (ташвиш) бўлмаса?; 5 *мн.~ы* манфаат; **кла́ссовые ~ы** синфий манфаатлар; **защища́ть свои́ ~ы** ўз манфаатларини ҳимоя қилмоқ; 6 *разг. уст.* фойда, манфаат, мақсад; қизиқ; **како́й вам ~?** бунинг сизга нима қизиғи бор?; **у него́ здесь свой ~** бунда (бу ерда, ишда) унинг ўз ўйлаганн (кўзлаган мақсади) бор; ✦ **игра́ть в ~** *уст.* пулга (пул тикиб) ўйнамоқ.

ИНТЕРЕ́СНО 1 *нареч.* қизиқарли (мароқли) қилиб, қизиқтириб, қизиқ; **~ расска́зывать** мароқли қилиб гапириб бермоқ; 2 *безл. в знач. сказ.* қизиқ; **~ знать, как вы отно́ситесь к э́тому?** қизиқ, сиз бунга қандай қарайсиз?; **э́то ~** бу қизиқ.

ИНТЕРЕ́СН/ЫЙ -ая, -ое; **-сен, -сна** 1 қизиқарли, қизиқ, қизиқтирадиган; ажиб, таажжуб, ғалати; **~ый расска́з** қизиқарли (қизиқ) ҳикоя; **~ый слу́чай** қизиқарли (қизиқ) воқеа, таажжуб ҳодиса; 2 *разг.* келишган, чиройли; **~ый мужчи́на** келишган эркак (киши); ✦ **в ~ом положе́нии** иккиқат, ҳомиладор, оғироёқ.

ИНТЕРЕС/ОВА́ТЬ, -су́ю, -су́ешь *несов. кого-что* қизиқтирмоқ, қизиқиш (ҳавас) уйғотмоқ; **его́ ~у́ет матема́тика** уни математика қизиқтиради.

ИНТЕРЕСОВА́ТЬСЯ, -су́юсь, -су́ешься *несов. кем-чем* қизиқмоқ, ҳавас қилмоқ, ишқивоз бўлмоқ; **~ те́хникой** техникага қизиқмоқ.

ИНТЕРКО́СМОС *м* интеркосмос (1 космосни ўрганиш ва ундан фойдаланиш масалалари юзасидан СССР ФА ҳузурида 1966 йили ташкил этилган халқаро ҳамкорлик совети; 2 Ўзаро Иқтисодий Ёрдам кенгаши мамлакатлари ўртасида космик тадқиқотлар юзасидан тузилган умумий программа; 3 шу программа асосида учирилаётган сунъий йўлдошлар).

ИНТЕРЛЮ́ДИЯ *ж муз.* интерлюдия (музика асарининг айрим қисмларини боғловчи кичик парча ёки пьеса).

ИНТЕРМЕ́ДИЯ *ж* интермедия (1 драма ёки опера асарларининг икки пардаси ўртасида ўйналадиган, одатда кулгили кичик саҳна асари; 2 *муз. то же, что* **интерлю́дия**).

ИНТЕРМЕ́ЦЦО *с нескл. муз.* интермеццо (якка соз, ансамбль ёки оркестр учун мўлжалланган эркин шаклдаги кичик пьеса, баъзан **операнинг мустақил чолғу қисми**).

www.ziyouz.com kutubxonasi

ИНТЕРНА́Т *м* интернат (1 ўқув юрти қошидаги ётоқхона; 2 талабалари давлат таъминотида бўлган ўқув юрти).

ИНТЕРНАТСКИЙ, **-ая**, **ое** интернатга оид; интернат...

ИНТЕРНАТУ́РА *ж* интернатура (медицина институтларини тамомлаган студентларнинг касалхона ва клиникаларда ўтказиладиган бир ёки бир неча йиллик стажировкаси).

ИНТЕРНАЦИОНА́Л *м* 1 интернационал (халқаро уюшма); 2 Интернационал (халқаро пролетариат гимни; Совет Иттифоқи Коммунистик партияси гимни).

ИНТЕРНАЦИОНАЛИЗА́ЦИЯ *ж* интернационализация, интернационаллаштириш; интернационаллашиш.

ИНТЕРНАЦИОНАЛИЗИ́РОВАТЬ *сов.* и *несов. что* интернационализация қилмоқ, интернационаллаштирмоқ.

ИНТЕРНАЦИОНА́ЛИЗМ *м* интернационализм (турли миллат ва ирқдаги ишчи, меҳнаткашларнинг халқаро бирдамлиги; ишчилар синфи, марксча-ленинча партиялар идеологияси ва сиёсатининг энг асосий принципларидан бири); **пролета́рский** ~ пролетар интернационализми.

ИНТЕРНАЦИОНА́ЛИСТ *м* интернационалист, интернационализм тарафдори.

ИНТЕРНАЦИОНАЛИСТИ́ЧЕСКИЙ, **-ая**, **-ое** интернационализмга оид, интернационализм руҳидаги; интернационалистик; ~**е при́нципы** интернационалистик принциплар.

ИНТЕРНАЦИОНАЛИ́СТКА *ж, р. мн.* **-ток** интернационалист аёл.

ИНТЕРНАЦИОНАЛИ́СТСКИЙ, **-ая**, **-ое** интернационалистларга оид, хос интернационалистларча; ~**ая та́ктика** интернационалистларча тактика.

ИНТЕРНАЦИОНА́ЛЬНЫЙ, **-ая**, **-ое**; **-лен**, **-льна** интернационал, халқаро; ~**ая брига́да** интернационал бригада; **клуб** ~**ой дру́жбы** интернационал дўстлик клуби; ~**ые свя́зи** интернационал алоқалар, халқаро муносабатлар; 2 интернационализм руҳидаги, интернационализм принципларига асосланган; ~**ое воспита́ние молодёжи** ёшларни интернационализм руҳида тарбиялаш.

ИНТЕРНИ́РОВАТЬ *сов.* и *несов. кого-что* ушлаб қолмоқ, қуролсизлантирмоқ (1 урушаётган давлатнинг бетараф давлат тупроғига ўтган қўшинларини ушлаб қолмоқ ва қуролсизлантирмоқ; 2 душман мамлакат гражданларини то уруш тамом бўлгунча озодликдан маҳрум қилмоқ).

ИНТЕРПЕЛЛИ́РОВАТЬ *сов.* и *несов.* парламентда ҳукуматга ёзма савол бермоқ.

ИНТЕРПЕЛЛЯ́ЦИЯ *ж спец.* интерпелляция (парламентда депутатнинг ҳукуматга берган ёзма саволи).

ИНТЕРПОЛИ́РОВАТЬ *сов.* и *несов.* 1 *книжн.* интерполяция қилмоқ, қўшимча қилмоқ; 2 *мат.* интерполяция қилмоқ.

ИНТЕРПОЛЯ́ЦИЯ *ж* 1 *книжн.* интерполяция, қўшимча киритиш (кўчирувчи ёки таржимон томонидан оригиналга ўзгартиш киритиш, унга сўз ёки жумлалар қўшиш); 2 *мат.* интерполяция (бирор миқдорнинг бир неча маълум қийматларидан фойдаланиб, шулар ўртасидаги номаълум қийматларини аниқлаш).

ИНТЕРПРЕ́ТАТОР *м книжн.* шарҳловчи, изоҳловчи, тушунтириб (изоҳлаб) берувчи.

ИНТЕРПРЕТА́ЦИЯ *ж книжн.* 1 шарҳлаш, изоҳлаш, тушунтириб (изоҳлаб) бериш; ~ **зако́нов** қонунларни изоҳлаб бериш; ~ **те́кста** текстни шарҳлаш; 2 талқин қилиш, очиш, талқин; ~ **о́браза** образни талқин қилиш, образ талқини.

ИНТЕРПРЕТИ́РОВАТЬ *сов. и несов. книжн.* 1 *что* шарҳламоқ, изоҳламоқ, тушунтирмоқ, тушунтириб (изоҳлаб) бермоқ; 2 *кого-что* талқин қилмоқ, очмоқ.

ИНТЕРФЕРЕ́НЦИЯ *ж* интерференция (товуш, ёруғлик ва ҳ. к. тўлқинларининг устма-уст келганда, қўшилганда бир-бирини кучайтириш ёки сусайтириш); ~ **све́та** ёруғлик интерференцияси.

ИНТЕРЬЕ́Р *м* интерьер (1 *архит.* бино ва иншоотларнинг ички қиёфаси, бадиий безалган ва жиҳозланган кўриниши; ~ **за́ла** зал интерьери, залнинг ички кўриниши; 2 *иск.* бинонинг ички қисми тасвирланган расм).

ИНТИМНИ́ЧАТЬ *несов. разг.* бир-бирига сирини (дил розини) айтмоқ, дилкашлик қилмоқ, ёзилиб гаплашмоқ.

ИНТИ́МНЫЙ, **-ая**, **-ое**; **-мен**, **-мна** 1 юракдаги, дилдаги, сирли, сир тутилган; сир, яширин, махфий; ~**ая сторона́** *чего-л.* бирор нарсанинг сирли (сир тутилган, махфий) томони; ~**ый разгово́р** дилкашлик, бир-бирига дил розини айтиш; 2 сирдош, дилкаш, яқин, қалин; ~**ый друг** сирдош дўст, яқин дўст; 3 ишқий, жинсий; ~**ые отноше́ния** ишқий муносабатлар, ошиқ-маъшуқлик.

ИНТОКСИКАЦИО́ННЫЙ, **-ая**, **-ое** *мед.* интоксикация (заҳарланиш натижасида, интоксикация орқасида юзага келган; интоксикацион...; ~ **психо́з** заҳарланиш натижасидаги психоз).

ИНТОКСИКА́ЦИЯ *ж мед.* интоксикация, заҳарланиш (организмнинг заҳарли моддалар, токсинлар билан заҳарланиши); **алкого́льная** ~ спиртли ичимликдан заҳарланиш.

ИНТОНАЦИО́ННЫЙ, **-ая**, **-ое** интонацияга оид; интонацион, интонация...; ~**е осо́бенности ре́чи** нутқнинг интонацион хусусиятлари; ~**е зна́ки** интонация белгилари.

ИНТОНА́ЦИЯ *ж* интонация (1 гап, нутқ оҳанги; ~ **ре́чи** нутқ интонацияси; **вопроси́тельная** ~ сўроқ интонацияси; сўроқ оҳанги; **шутли́вая** ~ ҳазил оҳанги; **вла́стная** ~ **буйру́к** оҳанги; 2 *муз.* товушларни баландлик жиҳатидан **аниқ** ижро этиш; **пра́вильная** ~ тўғри интонация; **фальши́вая** ~ нотўғри (ғалат) интонация.

ИНТОНИ́РОВАТЬ *несов. книжн.* маълум интонация билан айтмоқ, ижро қилмоқ; **пра́вильно** ~ тўғри айтмоқ (ижро қилмоқ); оҳангни (тонни) тўғри олмоқ.

ИНТРИ́Г/А *ж* 1 интрига, фитна, даиса, қутқу; **вести́** ~**у** *против кого-н.* бировга қарши фитна уюштирмоқ; **приде́ворные** ~**и** сарой фитналари; 2 *лит.* интрига (мураккаб сюжет чизиғи); **рома́н с запу́танной** ~**ой** воқеалари (сюжет чизиғи) чалкашиб кетган роман; 3 *уст.* ишқий саргузашт; ошиқ-маъшуқлик.

ИНТРИ́ГАН *м* фитна одам, фитначи, қутқу солувчи, ғаламис.

ИНТРИ́ГАНКА *ж, р. мн.* **-нок** *см.* **интрига́н.**

ИНТРИ́ГАНСКИЙ, **-ая**, **-ое** фитна (ғаламис) одамларга хос бўлган, фитначиликдан (ғаламисликдан) иборат.

ИНТРИ́ГАНСТВО *с* фитначилик, фитна (қутқу) солиш, фитна уюштириш, фитначилик, ғаламислик.

ИНТРИГ/ОВА́ТЬ, **-гу́ю**, **-гу́ешь** *несов.* 1 *против кого-чего* фитна (қутқу) солмоқ, фитна уюштирмоқ, ғаламислик қилмоқ; 2 *(сов.* **заинтригова́ть***) кого-что* қизиқтирмоқ, қизиқиш уйғотмоқ, қизиқтириб қўймоқ (қолмоқ); **э́то меня́ о́чень** ~**у́ет** бу мени жуда қизиқтириб қолди.

ИНТРИ́ЖК/А *ж, р. мн.* **-жек** *разг. уменьш.-уничиж. от* **интри́га** 3; **завести́** ~**у** кимса (ёки бир-бири) билан юрмоқ, дон олишмоқ.

ИНТРОДУ́КЦИЯ *ж* 1 *муз.* интродукция, муқаддима, даромад; 2 *спец.* интродукция (бирор иқлим шароитида яшайдиган ўсимлик ёки ҳайвонни иқлими бошқа жойга кўчириш, иқлимлаштиришнинг дастлабки босқичи).

ИНТРОСПЕКТИ́ВНЫЙ, **-ая**, **-ое** *психол.* ўз-ўзини кузатишга асосланган; интроспектив; ~ **ме́тод** интроспектив метод.

ИНТРОСПЕ́КЦИЯ *ж психол.* интроспекция, ўз-ўзини кузатиш.

ИНТУИТИ́ВНО *нареч.* интуитив равишда, ички ҳис билан сезиб; ~ **почу́вствовать опа́сность** хавф-хатарни ички ҳис билан сезиб қолмоқ.

ИНТУИТИ́ВНЫЙ, **-ая**, **-ое**; **-вен**, **-вна** интуицияга (сезгига) асосланган; интуитив.

ИНТУ́ИЦИ/Я *ж* 1 интуиция, ички ҳис, сезги, сезгирлик; **по** ~**и** ички ҳис билан сезиб, сезгандай; 2 интуиция (тажриба ёрдамидан ташқари «бевосита мушоҳада» йўли билан ҳақиқатни билиш мумкин деган тушунча).

ИНТУРИ́СТ *м* (иностра́нный турист) интурист, чет эллик сайёҳ, ажнабий саёҳатчи; **гости́ница для** ~**ов** интуристлар учун меҳмонхона, интуристлар меҳмонхонаси.

ИНФА́НТ *м* инфант, шаҳзода (Монархия давридаги Испания ва Португалияда).

ИНФА́НТА *ж см.* **инфа́нт.**

ИНФАНТЕ́РИ/Я *ж воен. уст.* пиёда аскар (қўшин); ✦ **генера́л от** ~**и** инфантерия генерали (чор армияси пиёда қўшинларида энг юқори генераллик унвони ва шу унвондаги генерал).

www.ziyouz.com kutubxonasi

ИНФАНТИЛИЗМ *м книжн.* инфантилизм (организмнинг етилмай қолиши, катта одамларда ёш болаларга хос жисмоний ва руҳий ҳолатларнинг сақланиши).

ИНФАНТИ́ЛЬНОСТЬ *ж книжн.* инфантиллик, яхши етилмаганлик, етилмай қолиш.

ИНФАНТИ́ЛЬНЫЙ, -ая, -ое; -лен, -льна *книжн.* 1 инфантиль, етилмаган, етилмай қолган; 2 ёш болалардек, болаларга хос, бачкана.

ИНФА́РКТ *м* инфаркт (бирор органнинг маълум қисмига қон етарли келмаслиги натижасида, шу жойдаги тўқималарнинг ўлиши); **~ сердéчной мы́шцы** (или **~ миокáрда**) юрак мушаклари (миокард) инфаркти.

ИНФА́РКТНЫЙ, -ая, -ое инфарктга оид, инфаркт оқибатидаги; инфаркт...

ИНФЕКЦИО́ННЫЙ, -ая, -ое 1 инфекция оқибатидаги, инфекцион, юқумли; **~ое заболева́ние** юқумли касаллик; 2 юқумли касалликлар учун белгиланган; **~ая больни́ца** юқумли касалликлар касалхонаси.

ИНФЕ́КЦИЯ *ж* инфекция (касал тарқатувчи бактериянинг, вируснинг одам ёки ҳайвон организмига тушиши, касалликнинг юқиши).

ИНФИЛЬТРА́Т *м биол. мед.* инфильтрат (орган ёки тўқималарда яллиғланиш маҳсули ёки ўсма ҳужайралари тўпланиши); **воспали́тельный ~** яллиғланиш инфильтрати.

ИНФИЛЬТРА́ЦИЯ *ж* инфильтрация (1 *книжн.* сизиш, сизиб ўтиш, сингиш; 2 *биол. мед.* организм ёки тўқималарнинг яллиғланиш маҳсули ёки ўсма ҳужайралари тўпланиб қотиши, шишуви).

ИНФИНИ́ТИВ *м грам.* инфинитив (феълнинг ноаниқ формаси).

ИНФИЦИ́РОВАНИЕ *с по гл.* **инфици́ровать.**

ИНФИЦИ́РОВАТЬ *сов.* и *несов. кого-что* касал юқтирмоқ.

ИНФЛЮЭ́НЦА *ж мед уст.* инфлюэнца (нафас йўлларининг оғир яллиғланиши).

ИНФЛЯЦИО́ННЫЙ, -ая, -ое инфляцияга оид, инфляция билан боғлиқ бўлган; инфляция...

ИНФЛЯ́ЦИЯ *ж* инфляция (1 *эк.* қоғоз пулларнинг кетагидан ортиқ чиқарилиши натижасида қадрсизланиши; 2 *перен.* ишлатилавериб қадри кетиш; қадрини кеткизиш; **~ сло́ва** сўзни ишлатавериб қадрини кетказиш, сийқалаштириб юбориш).

ИН-ФО́ЛИО *нареч.* ин-фолио, ярим форматда; **кни́га и́здана ~** китоб ярим форматда босилган.

ИНФОРМА́НТ *м* информант, ахборот (маълумот) берувчи.

ИНФОРМАТИ́ВНОСТЬ *ж* ахборот учун белгиланганлик (берилганлик); **~ сигна́ла** сигналнинг ахборот учун берилганлиги.

ИНФОРМАТИ́ВНЫ/Й, -ая, -ое информатив; информация (ахборот, маълумот) тариқасидаги, ахборот (хабарлашиш) учун белгиланган; **~ые да́нные** ахборот учун берилган (олинган ёки белгиланган) маълумотлар; **~ая ли́ния свя́зи** ахборот бериб турилади ган алоқа линияси, хабарлашиш линияси.

ИНФОРМА́ТОР *м* информатор (1 информация берувчи, ахборотчи, хабарчи; 2 *спорт.* спорт мусобақаларининг бориши, регламенти ҳақида ахборот бериб турувчи; **судья́-~** судья-информатор, информация бериб турувчи судья).

ИНФОРМАЦИО́ННЫЙ, -ая, -ое информацион; информация (ахборот) берадиган; информация...; ахборот; **~ое сообще́ние** информацион билдириш; **~ое бюро́** информация (ахборот) бюроси; **~ый бюллете́нь** информация (ахборот) бюллетени.

ИНФОРМА́ЦИ/Я *ж* 1 *по гл.* **информи́ровать; сре́дства ~и** информация воситалари; **тео́рия ~и** информация назарияси; 2 информация, хабар, ахборот, маълумот, **техни́ческая ~я** техник ахборот; техника маълумотлари; **газе́тная ~я** газета хабарлари; **обрабо́тка ~и, поступа́ющей с косми́ческого корабля́** космик кемадан олинган маълумотларни (хабарларни) ишлаб чиқиш.

ИНФОРМБЮРО́ *с нескл. то же, что* **информацио́нное бюро́**; *см.* **информацио́нный.**

ИНФОРМИ́РОВАННЫ/Й, -ая, -ое 1 *прич. от* **информи́ровать**; 2 *в знач. прил.* хабардор, хабари бор, биладиган; билағон; **~е круги́ хабардор доиралар; ~й това́рищ** хабардор ўртоқ, биладиган (билағон) одам.

ИНФОРМИ́РОВА/ТЬ *сов.* и *несов. кого-что* информация (ахборот, маълумот) бермоқ, хабардор қилмоқ, билдирмоқ; **~ть** *кого-л.* **о положе́нии дел** ишнинг аҳволи ҳақида хабардор қилмоқ.

ИНФОРМИ́РОВАТЬСЯ 1 *сов.* и *несов.* информация (ахборот, маълумот) олмоқ, билмоқ; 2 *несов. страд. от* **информи́ровать.**

ИНФРАЗВУ́К *м физ.* инфратовуш (инсон қулоғи эшитмайдиган паст частотали товушлар).

ИНФРАЗВУКОВ/О́Й, -а́я, -о́е инфратовушга оид; инфратовуш...; **~ы́е во́лны** инфратовуш тўлқинлари.

ИНФРАКРАСН/ЫЙ, -ая, -ое: ~ые лучи́ инфрақизил нурлар (спектрнинг қизил тусли қисмига ёндош, кўзга кўринмайдиган нурлар); **~ое излуче́ние** инфрақизил нурланиш.

ИНФУЗО́РИЯ *ж* инфузория (энг ривожланган бир ҳужайрали содда жонивор).

ИНЦИДЕ́НТ *м* инцидент, можаро, нохуш ҳодиса (воқеа); тўқнашув, жанжал; **пограни́чный ~** чегарадаги тўқнашув, чегара можароси; **~ исче́рпан** гап (жанжал) тамом, вассалом; можаро тамом бўлди.

ИНЪЕКЦИО́ННЫ/Й, -ая, -ое инъекцияга оид; инъекция қиладиган, дори юборадиган; инъекция...; **~е и́глы** инъекция игналари.

ИНЪЕ́КЦИ/Я *ж* инъекция (тери остига, мушакларга ёки томирга дори юбориш, укол); **сде́лать ~ю** инъекция (укол) қилмоқ; **~я камфары́** камфара юбориш.

ИО́Н *м* ион (зарядланган зарра, атом ёки атомлар группаси).

ИОНИЗАЦИО́ННЫЙ, -ая, -ое ионизацияга оид; ионизацион; ионизация...; **~ая ка́мера** ионизацион камера.

ИОНИЗА́ЦИЯ *ж* ионизация, ионлашув, ионлашиш (ионларнинг ҳосил бўлиши); **~ га́зов** газларнинг ионлашуви.

ИОНИЗИР/ОВАТЬ *сов.* и *несов. что* ионизация қилмоқ, ионлаштирмоқ, ионламоқ, ион ҳосил қилмоқ; **~овать во́здух** ҳавони ионлаштирмоқ (ҳавода ионлар ҳосил қилмоқ); **~ующее излуче́ние** ион ҳосил қилувчи (ионловчи) нурланиш.

ИОНИЗОВА́ТЬ, -зу́ю, -зу́ешь *сов.* и *несов. то же, что* **ионизи́ровать.**

ИО́НН/ЫЙ, -ая, -ое ионга оид, ионли; ион...; **~ый микроско́п** ионли (ион оқимли) микроскоп; **~ая эми́ссия** ион эмиссияси.

ИОНОСФЕ́РА *ж физ.* ионосфера (атмосферанинг ионларга ва эркин электронларга бой юқори қатлами).

ИОНОСФЕ́РНЫЙ, -ая, -ое ионосферага оид; ионосфера...

ИОРДА́НЕЦ *м, р.* **-нца** иорданиялик; *см.* **иорда́нцы.**

ИОРДА́НЦЫ *мн. (ед.* **иорда́нец** *м)* иорданияликлар; Иордания аҳолисини ташкил этган халқлар.

ИПОТЕ́КА *ж. эк.* ипотека (1 капиталистик мамлакатларда: қўзғалмас мулкни гаровга олиб бериладиган қарз; 2 шундай қарз олиш учун гаровга қўйилган мулк).

ИПОТЕ́ЧНЫЙ, -ая, -ое *эк.* ипотекага оид; **ипотека...; ~ банк** ипотека (гаров) банки (қўзғалмас мулкни гаровга олиб пул берадиган банк); **~ креди́т** ипотека кредити.

ИПОХО́НДРИК *м* ипохондрик, ваҳима касал.

ИПОХОНДРИ́ЧЕСКИЙ, -ая, -ое ипохондрияга оид; ипохондрия..., ваҳима...

ИССЕ́ЧЬ, **-еку́**, **-ечёшь**; **-е́к**, **-екла́** *сов.* (*несов.* **иссека́ть**) 1 *что уст.* тарашламоқ, йўнмоқ; тарашлаб (йўниб) ишламоқ (ясамоқ, қилмоқ); ~ **ста́тую из мра́мора** мармардан ҳайкал тарашламоқ; 2 *что мед.* кесиб ташламоқ, олиб ташламоқ; ~ **о́пухоль** шишни кесиб ташламоқ; 3 *кого-что* саваламоқ; қамчиламоқ; ~ **кнуто́м** қамчи билан саваламоқ, қамчиламоқ.

ИССИНЯ- кўкка мойил, кўкимтир, кўкроқ, **кўкиш**; ~-**чёрный** кўкимтир-қора; ~-**се́рый** кўкимтир-кул ранг.

ИССЛЕ́ДОВАНИЕ *с* 1 *по гл.* **иссле́довать**; ~ **косми́ческого простра́нства** космик фазони ўрганиш; ~ **гру́нта** тупроқни текшириш; ~ **кро́ви** қонни текшириш; 2 илмий иш (текшириш), тадқиқот; ~ **по древнеру́сской литерату́ре** қадимги рус адабиёти бўйича илмий иш (тадқиқот).

ИССЛЕ́ДОВАТЕЛЬ *м* текширувчи, тадқиқотчи.

ИССЛЕ́ДОВАТЕЛЬНИЦА *ж см.* **иссле́дователь**.

ИССЛЕ́ДОВАТЕЛЬСК/ИЙ, **-ая**, **-ое** тадқиқий; тадқиқот...; текшириш...; ~**ая рабо́та** тадқиқий иш; тадқиқот (текшириш) ишлари; 2 илмий текшириш (тадқиқот) ишлари олиб бориладиган; илмий текшириш...; илмий тадқиқот...; ~**ий институ́т** илмий текшириш институти.

ИССЛЕ́ДОВАТЬ *сов.* и *несов. кого-что* 1 текширмоқ; ўрганмоқ; тадқиқ (тадқиқот) қилмоқ; текшириб (ўрганиб) чиқмоқ; ~ **хими́ческий соста́в вещества́** модданинг химиявий составини текширмоқ; ~ **вопро́с** масалани ўрганиб чиқмоқ; 2 текширмоқ, диққат билан кўриб (қараб) чиқмоқ, кўздан кечирмоқ; ~ **больно́го** беморни текшириб кўрмоқ; ~ **доро́гу** йўлни кўриб (қараб) чиқмоқ.

ИССОХНУ́ТЬ, **-ну**, **-нешь**; **-о́х**, **-о́хла** *сов.* (*несов.* **иссыха́ть**) 1 қуримоқ, қақрамоқ; қуриб (қовжираб) қолмоқ; қақраб кетмоқ; 2 *перен.* озмоқ, ориқламоқ; озиб (озиб-тўзиб) кетмоқ, қоқ суяк (чўп- устухон) бўлиб қолмоқ, **адо** бўлмоқ; ~ **от го́ря** ғам тортиб (мусибат чекиб) озиб-тўзиб кетмоқ.

ИССТА́РИ *нареч.* қадимдан, азалдан; кўпдан (қадим замонлардан) бери; **так ~ ведётся** азалдан шундай; **азалдан** шундай бўлиб келмоқда.

ИССТЕГА́ТЬ *сов.* (*несов.* **иссте́гивать**) *разг. кого-что* роса урмоқ, саваламоқ, калтакламоқ; ~ **кнуто́м** қамчи билан саваламоқ.

ИССТЕ́ГИВАТЬ *несов. см.* **исстега́ть**.

ИССТРАДА́ТЬСЯ *сов.* кўп азоб-уқубат чекмоқ, азоб (кулфат, мусибат) тортмоқ; қийналиб (куйиб) адо (тамом) бўлмоқ.

ИССТРЕЛИВА́ТЬ *несов. см.* **исстреля́ть**.

ИССТРЕЛЯ́ТЬ *сов.* (*несов.* **иссте́ливать**) 1 *что* отиб тамом қилмоқ; ~ **все патро́ны** ҳамма ўқни отиб тамом қилмоқ; 2 ўқ отиб илма-тешик қилиб юбормоқ.

ИССТУПЛЕНИ/Е *с* ортиқ даражада асабийлашган (ёки ҳаяжонли, дарғазаб, аччиқланиш) ҳолат; асабийлашиб (ёки ҳаяжонда, ғазабдан) ўзини йўқотиш, жазава; **прийти́ в ~е** ортиқ даражада асабийлашиб (ёки ҳаяжонланиб) кетмоқ, асабийлашиб (ёки ҳаяжонда, ғазабдан) ўзини йўқотмоқ, ўзини тутолмай қолмоқ; жазаваси тутмоқ; **в ~и** жуда асабийлашиб, ҳаяжонланиб, гоят ғазаби ошиб; жазаваси тутиб, ўзини тутолмай.

ИССТУ́ПЛЕННО *нареч.* ортиқ асабийлашиб, ҳаяжонланиб, ғазабланиб, дарғазаб бўлиб; ўзини тутолмай; ~ **крича́ть** асабийлашиб қичқирмоқ; ўзини тутолмай бақирмоқ.

ИССТУ́ПЛЕННЫ/Й, **-ая**, **-ое** ортиқ асабийлашиб кетган, ҳаяжонланган, ғазабланган, ғазаби ошган, ғазабдан ўзини йўқотиб қўйган (ўзини тутолмай қолган); жазаваси тутган, жазавали; асабий; ~**е кри́ки** асабий қичқириқлар, жазавали бақириқлар.

ИССУША́ТЬ *несов. см.* **иссуши́ть**.

ИССУША́ТЬСЯ, **-а́ется** *несов.* 1 *см.* **иссуши́ться**; 2 *страд. от* **иссуша́ть**.

ИССУ́ШИВАТЬ *несов. см.* **иссуши́ть**.

ИССУ́ШИВАТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **иссуши́ться**; 2 *страд. от* **иссу́шивать**.

ИССУШ/И́ТЬ, **-ушу́**, **-у́шишь** *сов.* (*несов.* **иссуша́ть** и **иссу́шивать**) 1 *кого-что* қуритмоқ, қақратмоқ, қуритиб (қақратиб) юбормоқ, қотирмоқ, қовжиратмоқ, қоқ қилмоқ, сувини қочирмоқ; 2 *перен. кого* оздирмоқ, адо (тамом)

www.ziyouz.com kutubxonasi

қилмоқ, ориқлатмоқ, оздириб (оздириб-тўздириб) юбормоқ, қоқ суяк (чўп-устухон) қилиб қўймоқ; **боле́знь ~ла его́** касал уни оздириб-тўздириб юборди; **го́ре ~ло** её ғам уни адо (адойи тамом) қилди.

ИССУ́ШИТЬСЯ, -у́шится *сов. (несов.* **иссуша́ться** и **иссу́шиваться)** қоқ қуримоқ, қақрамоқ, суви қочмоқ; қуриб (қақраб) кетмоқ, қовжираб қолмоқ.

ИССЫХА́ТЬ *несов. см.* **иссо́хнуть.**

ИССЯКА́ТЬ *несов. см.* **исся́кнуть.**

ИССЯК/НУТЬ, -нет; -я́к, -я́кла *сов. (несов.* **иссяка́ть)** 1 қуримоқ, қуриб қолмоқ; **река́ ~ла** дарё қуриб қолди; 2 тугамоқ, соп (тамом) бўлмоқ, адо бўлмоқ, битмоқ; **си́лы мои́ ~ли** кучим тамом бўлди, куч-қувватим қолмади; **терпе́ние моё ~ло** сабр-тоқатим тугади, ортиқ чидаёлмайман; **запа́сы ~ли** запаслар тамом бўлди.

ИСТАИВАТЬ *несов. см.* **иста́ять.**

ИСТА́ПЛИВАТЬ I *несов. см.* **истопи́ть I.**

ИСТА́ПЛИВАТЬ II *несов. см.* **истопи́ть II.**

ИСТА́ПЛИВАТЬСЯ I, -ается *несов.* 1 *см.* **истопи́ться I;** 2 *страд. от* **иста́пливать I.**

ИСТА́ПЛИВАТЬСЯ II, -ается *несов.* 1 *см.* **истопи́ться II;** 2 *страд. от* **иста́пливать II.**

ИСТА́ПТЫВАТЬ *несов. см.* **истопта́ть.**

ИСТА́ПТЫВАТЬСЯ, -ается *несов.* 1 *см.* **истопта́ться;** 2 *страд. от* **иста́птывать.**

ИСТАСКАНН/ЫЙ, -ая, -ое *разг.* 1 *прич. от* **истаска́ть;** 2 *в знач. прил.* уринган, кийилавериб (тутилавериб) эскирган, йиртилган, тўзган, тақири чиқиб кетган; эски, қўсқи(н); **~ые башмаки́** кийилавериб эскирган бошмоқ; **~ый ковёр** тутилавериб тақири чиққан гилам; **~ое пальто́** қўсқи(н) пальто; 3 *перен. в знач. прил.* сийқаси чиққан, кўп чайналган, эскириб кетган, сийқа; **~ые фра́зы** кўп чайналган жумла(лар); **~ый моти́в** сийқаси чиққан мавзу; 4 *в знач. прил.* маишатга берилиб (шалоқ юриб) мазаси кетган (қочган), ийиғи чиққан, тамом бўлган; **~ое лицо́** маишатдан тамом бўлган башара.

ИСТАСКА́ТЬ *сов. (несов.* **иста́скивать)** *что разг.* кўп кийиб (тутиб) эскитмоқ, йиртмоқ, тўздирмоқ, уринтирмоқ, тақирини чиқармоқ; **~ сапоги́** этикни кийиб (кияверіб) эскиртмоқ (йиртмоқ).

ИСТАСКА́ТЬСЯ *сов. (несов.* **иста́скиваться)** *разг.* 1 кийилавериб (тутилавериб) эскирмоқ, йиртилмоқ, тўзмоқ, тақири чиқиб кетмоқ; 2 маишатга берилиб (шалоқ юриб) мазаси кетмоқ (қочмоқ), ийиғи чиқмоқ, тамом бўлмоқ.

ИСТАСКИВАТЬ *несов. см.* **истаска́ть.**

ИСТАСКИВАТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **истаска́ться;** 2 *страд. от* **иста́скивать.**

ИСТА́ЧИВАТЬ *несов. см.* **источи́ть I.**

ИСТА́ЧИВАТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **источи́ться;** 2 *страд. от* **иста́чивать.**

ИСТАЯ/ТЬ *сов. (несов.* **иста́ивать)** 1 эриб кетмоқ, эриб тамом бўлмоқ; **снег ~л** қор эриб кетди; 2 *перен.* тамом бўлмоқ, сарф бўлиб кетмоқ; **де́ньги незаме́тно ~ли** пул ўзидан-ўзи тамом бўлди, пул қандай тамом бўлганини одам билмай қолди; 3 *перен.* ориқлаб кетмоқ, сўлмоқ, бир ҳолбир шакл (рамақижон) бўлиб қолмоқ; **~ть от тоски́** ғамғуссадан ориқлаб (бир ҳол-бир шакл бўлиб) кетмоқ.

ИСТЕКА́ТЬ *несов. см.* **исте́чь.**

ИСТЕКШ/ИЙ, -ая, -ее 1 *прич. от* **истечь;** 2 *в знач. прил.* ўтган, тамом бўлган, тугаган; **~ий год** ўтган йил; **в ~ем году́** ўтган йили (йилда), бултур; **за ~ий пери́од** ўтган давр ичида.

ИСТЕРЕ́ТЬ, изотру́, изотрёшь; истёр, -ла *сов. (несов.* **истира́ть)** *что* 1 ишқалаб (ёки қириб) майдаламоқ, толқон қилиб юбормоқ; **~ хрен** хренни қириб майдаламоқ; 2 ишқалаб тугатмоқ, қириб тамом қилмоқ, едириб юбормоқ, сийқасини чиқармоқ; **~ рези́нку** ўчираверіб резинкани тамом қилмоқ; **~ седло́** эгарнинг сийқасини чиқармоқ; 3 *уст.* ишқалаб шикаст етказмоқ, шикастлантирмоқ; 4 ишқалаб (қириб, ўчириб) юбормоқ.

ИСТЕРЕ́ТЬСЯ, изотрётся; истёрся, -лась *сов. (несов.* **истира́ться)** 1 ейилиб тамом бўлмоқ, ейилиб кетмоқ, ишқаланавериб тугамоқ, ейилиб (сийқаси чиқиб) кетмоқ; **рези́нка истёрлась** резинка ейилиб кетди; **подо́шва истёрлась** тагчарм ейилиб кетди (кетипти); **2 ишқаланиб (қирилиб) йўқ** бўлмоқ, едирилиб (ўтиб) кетмоқ.

ИСТЕРЗАНН/ЫЙ, -ая, -ое 1 *прич. от* **истерза́ть;** 2 *в знач. прил.* ғажиб ташланган, оғир яраланган, чавоқланган, тилка-тилка, дабдала; **~ые плéнники** оғир яраланган асирлар; 3 *в знач. прил.* абжағи чиққан; **танк представля́л собо́й гру́ду ~ого мета́лла** танк абжағи чиққан бир уюм металлга айланиб қолган эди.

ИСТЕРЗА/ТЬ *сов.* 1 *кого* ғажиб ташламоқ, чавоқламоқ, оғир яродор қилмоқ, тилка-тилка (дабдала) қилмоқ; 2 *что* абжақ қилмоқ, абжағини (тилка-порасини) чиқармоқ; 3 *кого* азият етказмоқ; азоб бермоқ; жигар-бағрини қон (бағрини хун) қилмоқ, эзиб ташламоқ; **его́ ~ли сомне́ния** уни шубҳа қийнарди; уни шубҳа эзиб ташлади.

ИСТЕРЗА́ТЬСЯ *сов.* азият тортмоқ, азоб чекмоқ, эзилиб кетмоқ, жигар-бағри қон (бағри хун) бўлмоқ, қийналмоқ, ич-этини емоқ.

ИСТЕ́РИК *м* истерик (истерия касаллигига мубтало бўлган киши, жазаваси бор одам).

ИСТЕ́РИК/А *ж* истерика (истерия тутқаноғи, асабий тутқаноқ, истерия натижасида қаттиқ жазаваси тутиш); **би́ться в ~е** жазаваси тутиб ўзини ҳар ёққа урмоқ; **впасть в ~у** жазаваси тутмоқ, асабий ҳолатга тушмоқ.

ИСТЕРИЧЕ́СКИЙ, -ая, -ое 1 истерияга ва истерикага оид, истерика...; 2 истерия касалига дучор бўлган, жазаваси тутадиган; 3 истерикларга хос, асабий, тажанг, жазавали; **~ припа́док** истерика тутқаноғи, асабий тутқаноқ; **~ смех** асабий кулги.

ИСТЕ́РИЧКА *ж, р. мн.* **-чек** истерия касалига мубтало бўлган аёл.

ИСТЕРИ́ЧНЫЙ, -ая, -ое; -чен, -чна *то же, что* **истери́ческий** 2, 3; **~ крик** асабий қичқириқ (бақириқ).

ИСТЕ́РИЯ *ж* **1** истерия, жазава (асабий-психик касаллик); 2 *перен.* васваса, жазава; **вое́нная ~** ҳарбий васваса (капиталистик мамлакатларда уруш васвасаси ва зўр бериб қуролланиш).

ИСТЕ́РТ/ЫЙ, -ая, -ое 1 *прич. от* **истере́ть;** 2 *в знач. прил.* ёйилиб кетган, ўчиб кетган; сийқа; **~ая на́дпись** ейилиб (ўчиб) кетган ёзув; 3 *в знач. прил.* **кийилавериб** эскирган, ейилиб кетган; **~ые сапоги́** эскириб кетган этик; 4 *перен. в знач. прил.* сийқаси чиққан, кўп чайналган, меъдага кўнгилга урган; **~ые слова́** сийқаси чиққан сўзлар; **~ое выраже́ние** сийқаси чиққан (кўнгилга урган) ибора.

ИСТЕ́Ц *м, р.* **-тца́** *юр.* даъвогар, ҳақ талаб қилувчи; муддаий *(эск.)*.

ИСТЕ́ЧЕНИ/Е *с* **1** *спец. по гл.* **исте́чь** 1; **~е не́фти из пласто́в песча́ника** қум қатламларидан нефть оқиб чиқиши; 2 ўтиш, тамом бўлиш, тўлиш, тугаш, битиш (вақт, муддат ҳақида); **по ~и сро́ка** муддати (муҳлати) тугагандан кейин, муддат (муҳлат) тугаши билан (тугагач); муддат (муҳлат) ўтиб кетганлиги учун.

ИСТЕ́ЧЬ, -еку́, -ечёшь; истёк; истекла́ *сов. (несов.* **истека́ть)** 1 *уст.* оқиб кетмоқ, оқиб чиқмоқ, оқиб тамом бўлмоқ; 2 ўтмоқ, тўлмоқ, тамом бўлмоқ, тугамоқ, битмоқ; **вре́мя истекло́** вақт тугади, вақт тамом бўлди; **срок догово́ра истёк** шартнома муддати тугади; 3 *чем* кўп қон (ёки кўз ёши, тер ва ҳ. к.) тўкиб ҳолсизланмоқ, ҳолдан кетмоқ; **~ кро́вью** кўп қон оқмоқ (кетмоқ), кўп қон йўқотиб ҳолсизланмоқ.

ИСТИ́Н/А *ж* **1** ҳақиқат, чин, бор нарса, тўғри гап; **соответствовать ~е** ҳақиқатга тўғри (мос) келмоқ; **в э́том есть до́ля ~ы** бунда оз бўлса ҳам ҳақиқат (ҳақиқат уруғи) бор; 2 тўғрилик, ростлик, чинлик; **~а сообще́ния** хабарнинг тўғрилиги; 3 ҳақиқат, адолат; **иска́ть ~у** ҳақиқат изламоқ; 4 тажрибада текширилган (кўрилган, маълум) нарса, ҳақиқат; **ста́рая ~а** эски ҳақиқат, ҳаммага маълум нарса, **изби́тые ~ы** чайналган (азалги) гап, ҳаммага маълум гап; 5 *филос.* ҳақиқат (киши онгида акс этган объектив борлиқ); **объекти́вная ~а** объектив ҳақиқат.

ИСТИННО *нареч.* 1 ҳақиқатан, чиндан ҳам, дарҳақиқат, рости билан; **~ тала́нтливый челове́к** ҳақиқатан ҳам талантли киши; 2 *в знач. вводн. сл. прост.* дарҳақиқат, дарвоқе.

ИСТИННОСТЬ *ж* ҳақиқатлик, чинлик, ростлик.

ИСТИНН/ЫЙ, -ая, -ое; -нен, -нна 1 ҳақиқий, чин, рост, тўғри; муҳаққақ, барҳақ; **~ая пра́вда** чин ҳақиқат; **~ый смысл сло́ва** сўзнинг ҳақиқий (чин) маъноси; 2 *спец.*

www.ziyouz.com kutubxonasi

аниқ, **ҳақиқий**; **~ое со́лнечное вре́мя** ҳақиқий (аниқ) қуёш вақти; **~ый горизо́нт** ҳақиқий горизонт; **3** ҳақиқатга тўғри, ҳақиқий, чин; **~ое происше́ствие** ҳақиқий ҳодиса, ҳақиқатда бўлган воқеа; **~ое раска́яние** астойдил (чин дилдан) тавба қилиш; ҳақиқий пушаймон; **~ый друг** чин дўст.

ИСТИРА́ЕМОСТЬ *ж спец. то же, что* **истира́ние 2.**

ИСТИРА́НИЕ *с* **1** *по гл.* **истира́ть** и **истира́ться; 2** *спец.* ейилиш.

ИСТИРА́ТЬ *несов. см.* **истере́ть.**

ИСТИРА́ТЬСЯ, -а́ется *несов.* **1** *см.* **истере́ться; 2** *страд. от* **истира́ть.**

ИСТИ́ЦА *ж юр. см.* **исте́ц.**

ИСТЛЕВА́ТЬ *несов. см.* **истле́ть.**

ИСТЛЕ́ТЬ *сов. (несов.* **истлева́ть**) **1** чиримоқ, чириб кетмоқ, чириб битмоқ; **опа́вшие ли́стья ~ли** тўкилган барглар чириб кетди; **2** ёниб бўлмоқ (битмоқ); ёниб кул бўлмоқ, кул бўлиб тушмоқ; **у́гли ~ли** чўғ ёниб тамом (кул) бўлди.

ИСТМА́Т *м* (истори́ческий материа́лизм) *разг.* истмат (тарихий материализм, ўқув курси).

ИСТОВО́ *нареч. уст.* тартиби (қоидаси) билан, қоидали қилиб, астойдил; **~ кла́няться** қоидаси билан қуллуқ қилмоқ; қоидали (қоидасини келтириб) саломлашмоқ; **Дуня́шка трудила́сь самозабве́нно, серьёзно,~** (Кочетов) Дуняшка жонини аямай, жиддий, астойдил меҳнат қилар эди.

ИСТО́В/ЫЙ, -ая, -ое *уст.* **1** қоидали, тартибли; тегишлича (қоидаси, тартиби билан) қилинадиган; **~ый покло́н** қоидали таъзим, қоидаси билан салом бериш (эгилиш); **2** анъаналарга (расм-русумларга) қатъий риоя қиладиган, содиқ, тақводор; **3** тиришқоқ, астойдил; **[Аким:] Ба́бочка, зна́чит, ~ая,.. стара́тельная** (Л. Толстой) [Аким:] Хотинчанг, бундан чиқди, астойдил,... тиришқоқ хотин экан.

ИСТО́К *м* **1** *по гл.* **исте́чь 1**; **2** бош, сув (дарё) боши, манба, манша, сарчашма; **~ реки́** дарёнинг боши (манбаи, маншаи); **3** *мн.* **~и** *перен. чего* бошланғич нарса, бош, манба; **~и жи́зни** ҳаётнинг боши.

ИСТОЛКОВА́НИЕ *с* **1** *по гл.* **истолкова́ть; ~ зако́на** қонунни тушунтириб (шарҳлаб) бериш, қонунни талқин қилиш; **2** изоҳ, шарҳ, талқин, таъбир, тушунтириш.

ИСТОЛКОВА́ТЕЛЬ *м книжн.* тушунтирувчи, изоҳловчи, шарҳловчи, таъбирловчи, тафсирловчи, талқин қилувчи; таъбирчи, талқинчи.

ИСТОЛКОВА́ТЬ, -ку́ю, -ку́ешь *сов. (несов.* **истолко́вывать**) *что* тушунтирмоқ, изоҳламоқ, шарҳламоқ, тушунтириб (изоҳлаб, шарҳлаб) бермоқ, таъбирламоқ, талқин қилмоқ; **неве́рно ~** *чью-л.* **мысль** бировнинг фикрини нотўғри талқин қилмоқ (нотўғри тушунтирмоқ).

ИСТОЛКО́ВЫВАТЬ *несов. см.* **истолкова́ть.**

ИСТОЛО́ЧЬ, -лку́, -лчёшь; -ло́к, -лкла́ *сов. (несов.* **толо́чь**) туймоқ; туйиб майдаламоқ, толқон (кукун) қилмоқ; **~ в сту́пке** ҳовончада майдаламоқ (туймоқ); **~ в порошо́к** толқон (кукун) қилмоқ, кукун қилиб юбормоқ.

ИСТОЛО́ЧЬСЯ, -лчётся, -лку́тся; -ло́кся, -лкла́сь *сов.* туйилмоқ, толқон (кукун) бўлмоқ.

ИСТО́М/А *ж* бўшашиш, бўшашиб ором олиш, яйраш, роҳат қилиш; **в сла́дкой ~е** бўшашиб, роҳат қилиб; **чу́вствовать прия́тную ~у** бўшашиб ширин ором олмоқ, ҳушҳол бўлмоқ; **2** ҳолсизлик, беҳоллик, чарчоқ.

ИСТОМИ́ТЬ, -млю́, -ми́шь *сов. (несов.* **истомля́ть**) *кого-что* толиқтирмоқ, чарчатмоқ, ҳоритмоқ, ҳолдан тойдирмоқ, дармонини қуритмоқ; **~ ожида́нием** куттириб чарчатмоқ.

ИСТОМИ́ТЬСЯ, -млю́сь, -ми́шься *сов. (несов.* **истомля́ться**) толиқмоқ, чарчамоқ, ҳолдан тоймоқ, дармони қуримоқ; **~ от жа́жды** ташналикдан дармони қуримоқ; **~ в ожида́нии** кутиб (кутавериб) чарчамоқ.

ИСТОМЛЁНН/ЫЙ, -ая, -ое 1 *прич. от* **истоми́ть; ~ый зно́ем** иссиқдан дармони қуриган; **2** *в знач. прил.* толиққан, чарчаган, ҳолдан тойган, дармони қуриган, беҳол, ҳорғин; **~ое лицо́** ҳорғин юз (кўриниш); **~ый пу́тник** чарчаган (дармони қуриган) йўловчи.

ИСТОМЛЯ́ТЬ *несов. см.* **истоми́ть.**

ИСТОМЛЯ́ТЬСЯ *несов.* **1** *см.* **истоми́ться; 2** *страд. от* **истоми́ть.**

ИСТО́МНЫЙ, -ая, -ое толиқтирадиган, чарчатадиган, **ҳолдан тойдирадиган, дармонни қуритадиган, оғир.**

ИСТОНЧА́ТЬ, -а́ет *несов.* юпқалашмоқ, ингичкалашмоқ, юпқалашиб (юпқа ёки ингичка бўлиб) кетмоқ; юпқа (ингичка) тортмоқ.

ИСТОНЧА́ТЬСЯ, -а́ется *несов. см.* **истончи́ться.**

ИСТОНЧИ́ТЬ *сов. что* ингичкаламоқ, юпқаламоқ; юпқа (ингичка) қилмоқ, юпқалаштирмоқ, ингичкалаштирмоқ.

ИСТОНЧИ́ТЬСЯ, -и́тся *сов. (несов.* **истонча́ться**) юпқаланмоқ, ингичкаланмоқ, юпқа (ингичка) бўлиб кетмоқ, юпқа (ингичка) тортмоқ.

ИСТОПИ́ТЬ I, -оплю́, -о́пишь *сов. (несов.* **ста́пливать I**) *что* **1** ёқмоқ, ёқиб иситмоқ, олов қилмоқ; **~ печь** печкани ёқмоқ, печкага олов қилмоқ; печка(ни) ёқиб иситмоқ; **2** *разг.* ёқиб тамомламоқ, ёқиб тугатмоқ; **~ кубоме́тр дров** бир кубометр ўтинни ёқиб тугатмоқ.

ИСТОПИ́ТЬ II, -оплю́, -о́пишь *сов. (несов.* **ста́пливать II**) *разг.* эритмоқ, қуймоқ, **~ весь воск** ҳамма мумни (мумнинг ҳаммасини) эритмоқ.

ИСТОПИ́ТЬСЯ I, -о́пится *сов. (несов.* **ста́пливаться I**) ёқилмоқ; исимоқ.

ИСТОПИ́ТЬСЯ II, -о́пится *сов. (несов.* **ста́пливаться II**) *разг.* эримоқ, эриб тушмоқ.

ИСТОПНИ́К *м, р.* **-а́** печка ёқувчи, ўт ёқувчи, гўлахий.

ИСТОПНИ́ЦА *ж см.* **истопни́к.**

ИСТОПТА́ТЬ, -опчу́, -о́пчешь *сов. (несов.* **ста́птывать**) *что* **1** оёқости қилмоқ, пайҳон қилмоқ, босиб ташламоқ; **~ траву́** ўтни пайҳон қилмоқ; **2** оёқ босиб ифлос (из) қилмоқ; ифлос (из) қилиб юбормоқ; **~ пол** полни ифлос қилмоқ, полни босиб из қилиб юбормоқ; **3** *разг.* кийиб эскитмоқ, кияверіб йиртмоқ, эзиб ташламоқ, қийшайтириб юбормоқ; **~ каблуки́** кияверіб пошнани эзиб ташламоқ (қийшайтириб юбормоқ).

ИСТОПТА́/ТЬСЯ, -о́пчется *сов. (несов.* **ста́птываться**) *разг.* эзилмоқ эскириб (қийшайиб) кетмоқ; **сапоги́ ~лись** этик эскириб кетди.

ИСТО́РГА́ТЬ *несов. см.* **исто́ргнуть.**

ИСТОРГА́ТЬСЯ, -а́ется *несов.* **1** *см.* **исто́ргнуться; 2** *страд. от* **исторга́ть.**

ИСТОРГНУ́ТЬ, -ну, -нешь; исто́рг, -ла *сов. (несов.* **исторга́ть**) *книжн.* **1** *что* отмоқ, ирғитмоқ, ирғитиб ташламоқ, отиб чиқармоқ; **вулка́н исто́рг ла́ву** вулкан лава отди (чиқарди); **2** *перен. кого-что* ҳайдамоқ, қувмоқ, сиқиб чиқармоқ; чиқариб юбормоқ; **~ из свое́й среды́** ўз орасидан ҳайдаб (сиқиб) чиқармоқ; орадан кўтармоқ; **3** *что из кого-чего, у кого-чего уст.* тортиб чиқармоқ, суғуриб (чиқариб) олмоқ; қўпормоқ, қўпориб ташламоқ; халос қилмоқ; **~ кинжа́л из но́жен** ханжарни қинидан суғуриб олмоқ; **4** *перен. что* чиқармоқ; **~ слёзы** кўзларидан ёш чиқармоқ, йиғламоқ; ёш тўкмоқ; **~ слёзы** *у кого-н.* йиғлатмоқ; **~ крик** қичқириб юбормоқ.

ИСТО́РГНУТЬСЯ, -не́тся; исто́ргся, -лась *сов. (несов.* **исторга́ться**) *книжн.* чиқмоқ, отилиб чиқмоқ, чиқиб кетмоқ; халос бўлмоқ.

ИСТОРИ́ЗМ *м* **1** историзм, тарихийлик принципи (ҳар бир нарса ёки ҳодисага тарих нуқтаи назаридан, тарихий жиҳатдан ёндошиш); **2** санъатда: ўтмишга (тарихга) берилиш.

ИСТО́РИК *м* тарихчи, тарихшунос; муаррих *(экс.).*

ИСТО́РИКО-ЛИТЕРАТУ́РНЫЙ, -ая, -ое тарихий-адабий; **~ музе́й** тарихий-адабий музей.

ИСТО́РИКО-РЕВОЛЮЦИО́ННЫЙ, -ая, -ое тарихий-революцион.

ИСТО́РИКО-ФИЛОЛОГИ́ЧЕСКИЙ, -ая, -ое тарихий-филологик; тарих-филология...

ИСТО́РИКО-ФИЛОСО́ФСКИЙ, -ая, -ое тарихий-философик, тарих-философия...; **~ факульте́т** тарих-философия факультети.

ИСТОРИО́ГРАФ *м* историограф, историография мутахассиси.

ИСТОРИОГРАФИ́ЧЕСКИЙ, -ая, -ое историографияга оид; историографик; историография...

ИСТОРИОГРА́ФИЯ *ж* историография (1 тарих илми тараққиётини ва тарих манбаларини ўрганувчи фан; **сове́тская ~** совет историографияси; 2 маълум бир давр ёки масалага оид тарихий асарлар мажмуи; **~ сове́тского о́бщества** совет жамиятининг историографияси).

www.ziyouz.com kutubxonasi

ИСТОРИЧЕСК/ИЙ, -ая, -ое 1 тарихга оид; тарихий; **~ое иссле́дование** тарихга оид тадқиқот; **~ие времена́** тарихий даврлар; **~ий проце́сс** тарихий процесс; **~ие па́мятники** тарихий ёдгорликлар; 2 тарихда бор, ҳақиқатда бўлиб ўтган (тўқиб чиқарилмаган); ҳаётдан (турмушдан) олинган, ҳақиқий, тарихий; **~ий факт** тарихий (ҳақиқий) факт; **~ое лицо́** тарихий (тарихда бор) шахс; **~ий рома́н** тарихий роман; 3 тарихий аҳамиятга эга бўлган, катта аҳамиятли, муҳим; машҳур; **~ие реше́ния XXVI съе́зда КПСС** КПСС XXVI съездининг тарихий қарорлари; **~ая да́та** тарихий сана; 4 тарихийлик принципига асосланган, тарихий жиҳатдан ёндашадиган, тарихий; **~ое освеще́ние фа́ктов языка́** тил фактларини тарихийлик принципи асосида ёритиш; **~ая геогра́фия** тарихий география; 5 тарихий, ўткинчи, ўзгарувчан; **~ая катего́рия** тарихий категория; 6 ёзма тарих даврига оид; ёзма тарих юзага келгандан кейинги, тарихий; **~ий пери́од жи́зни наро́да** бирор халқ ҳаётининг тарихий (ёзма тарихдан кейинги) даври; ✦ **~ий материали́зм** тарихий материализм.

ИСТОРИ́ЧНОСТ/Ь *ж* 1 тарихга мослик, тарихан аниқлик, тўғрилик, тарихийлик; **~ь произведе́ния** асарнинг тарихийлиги (тарихан тўғрилиги); 2 тарихийлик, воқеа-ҳодисаларга тарихий жиҳатдан ёндашиш; **при́нцип ~и** тарихийлик принципига асосланган.

ИСТОРИ́ЧНЫЙ, -ая, -ое; -чен, -чна 1 тарихда бўлган, тарихга тўғри келадиган, тарихан тўғри, тарихий; 2 тарихийлик принципига асосланган.

ИСТО́РИ/Я *ж* 1 тарих (ривожланиш процессидаги объектив борлиқ); **зако́ны ~и** тарих қонунлари; 2 тарих (ўтмиш ҳаётга оид факт ва воқеа-ҳодисалар мажмуи); **уро́ки ~и** тарих сабоқлари; 3 тарих (кишилик жамияти тараққиёти ҳақидаги фан); **дре́вняя ~я** қадимги тарих; **~я сре́дних веко́в** ўрта асрлар тарихи; **но́вая ~я** янги тарих; **нове́йшая ~я** энг янги тарих; **~я СССР** СССР тарихи; 4 *чего или какая* тарих (илмнинг, инсон фаолиятининг бирор соҳаси тараққиёти ҳақидаги фан); **есте́ственная ~я** табиият тарихи; **~я нау́ки** фан тарихи; 5 *чего* тарих (тадрижий ривожланиш, ўзгариш процесси); **~я земно́й коры́** ер пўсти тарихи; **~я на́шей дру́жбы** дўстлигимиз тарихи; 6 *разг.* ҳикоя, қисса; **— Тепе́рь вы мне доска́жете ва́шу ~ю про Бэ́лу** (Лермонтов) Энди сиз менга Бэла ҳақидаги ҳикоянгизнинг давомини айтиб берасиз; 7 *кого-чего* тарих, дафтар, бошдан кечган воқеа, кўрган-кечирганлар; кирдикорлар; **У нас все зна́ли его́ ~ю, зна́ли, что он уби́л жену́** (Достоевский) Бизда унинг тарихини (кирдикорларини), ўз хотинини ўлдирганлигини ҳамма биларди; 8 *разг.* воқеа; жанжал, можаро, кўнгилсиз (ножўя) иш; **попа́сть в неприя́тную ~ю** кўнгилсиз воқеага йўлиқмоқ, ноқулай вазиятга тушиб қолмоқ; **вот так ~я!** ана холос!; ✦ **~я боле́зни** касаллик тарихи (тафсилоти); **ве́чная** (или **обы́чная**) **~я** доимий аҳвол; яна ўша гап (можаро); **~я ума́лчивает** *о чём шутл.* у ёғи номаълум, у ёғини ўзингиз биласиз; тарих бу ҳақда ҳеч нарса демайди; **войти́ в ~ю** тарихга кирмоқ, тарихий бўлиб қолмоқ.

ИСТОСКОВА́ТЬСЯ, -ку́юсь, -ку́ешься *сов. по кому-чему* и *без доп. разг.* жуда соғинмоқ, интизор бўлмоқ, зориқмоқ, кўмсамоқ, ичикмоқ; сиқилиб кетмоқ; юраги қон бўлмоқ; **~ в одино́честве** ёлғизликда сиқилмоқ (юраги қон бўлмоқ); **~ по до́му** уйни соғинмоқ, уйни кўмсамоқ; **~ по родны́м** ота-онани соғинмоқ (кўмсамоқ); ота-онани соғиниб ичикиб қолмоқ.

ИСТОЧА́ТЬ *несов.* (*сов.* **источи́ть** II) *что книжн.* тўкмоқ, оқизмоқ, томизмоқ; **~ слёзы** кўз ёши тўкмоқ, кўз ёши қилмоқ; 2 сочмоқ, тарқатмоқ; таратмоқ; **~арома́т** хушбўй ҳид тарқатмоқ; **~ сия́ние** нур (ёғду) сочмоқ.

ИСТОЧИ/ТЬ I, -очу́, -о́чишь *сов.* (*несов.* **иста́чивать**) *что* 1 чархлаб ташламоқ, чархлайвериб юпқа (ингичка) қилиб юбормоқ; **~ть нож** чархлайвериб пичоқни юпқа (ёки ингичка) қилиб юбормоқ; 2 тешиб (еб) ташламоқ, еб кетмоқ (қўймоқ), илма-тешик қилиб юбормоқ; **че́рви ~ли де́рево** қурт дарахтни еб ташлапти; **источенный мо́лью материа́л** куя еб кетган материал.

ИСТОЧИ/ТЬ II, -очу́, -о́чишь *сов. см.* **источа́ть.**

ИСТОЧИ/ТЬСЯ, -о́чится *сов.* (*несов.* **иста́чиваться**) чархланавериб юпқалашмоқ, ингичкалашмоқ, қисқармоқ; юзи тамом бўлмоқ; **кетме́нь ~лся** кетмоннинг юзи юпқа бўлиб кетипти; **бри́тва ~лась** устаранинг дами тамом бўлибди.

ИСТО́ЧНИК *м* 1 булоқ, чашма, сарчашма; **горя́чий ~** иссиқ (сув чиқарадиган) булоқ; **~ минера́льной воды́** минерал сувлар булоғи; 2 *перен.* манба, кон, масдар; **Со́лнце — ~ све́та** Қуёш — ёруғлик манбаи; **кни́га — ~ зна́ний** китоб — билим манбаи; **~и сырья́** хом ашё манбалари; **~ ра́дости** хурсандлик (шодлик) манбаи; **из достове́рных ~ов** ишончли манбалардан; 3 манба, асос (илмий иш, тадқиқот ва ш. к. учун); **пи́сьменные ~и** ёзма манбалар; **архи́вные ~и** архив манбалари; **ссыла́ться на ~и** манбаларга ҳавола қилмоқ.

ИСТО́ЧНИКОВЕ́ДЕНИЕ *с* манбашунослик.

ИСТОШНЫ/Й, -ая, -ое *разг.* қулоқни тешадиган, қаттиқ; аянчли; **~й крик** қаттиқ (ёки аянчли) қичқириқ, бақириқ; **крича́ть ~м го́лосом** қулоқни тешадиган овоз билан бақирмоқ.

ИСТОЩА́ТЬ I *несов. см.* **истощи́ть.**

ИСТОЩА́ТЬ II *сов. прост.* озиб (ориқлаб) кетмоқ.

ИСТОЩА́ТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **истощи́ться**; 2 *страд. от* **истоща́ть I.**

ИСТОЩЕ́НИЕ *с* 1 озиб (ориқлаб) кетиш, озиб-тўзиш, озиб қуруқ силласи қолиш, озғинлик; **голо́дное ~** очликдан озиб-тўзиб кетиш; **~ не́рвной систе́мы** нерв системасининг тамоман ишдан чиқиши; 2 *с.-х.* ориқлаш; **~ почв** тупроқнинг ориқлаши; 3 камайиш, битиш, тамом бўлиш, тугаш; **~ месторожде́ния ме́ди** мис конининг битиши; **~ средств** маблағ(лар)нинг битиши.

ИСТОЩЁННЫ/Й, -ая, -ое 1 *прич. от* **истощи́ть**; 2 *в знач. прил.* озиб (ориқлаб) кетган, озиб-тўзган, ориқ-турик, қуруқ салла; **~й челове́к** озиб-тўзиб кетган одам; 2 *в знач. прил. с.-х.* ориқ; **~е по́чвы** ориқ ерлар.

ИСТОЩИ́ТЬ *сов.* (*несов.* **истоща́ть** I) 1 *кого-что* оздириб-тўздирмоқ, оздириб юбормоқ, дармонини қуритмоқ, ҳолдан тойдирмоқ; **боле́знь истощи́ла его́** касал унинг дармонини (силласини) қуритди; 2 *что с.-х.* ориқлатмоқ (ерни); 3 *что* битирмоқ, тамом қилмоқ, тугатмоқ, соп (тамом) қилмоқ, қуритмоқ; **~ запа́сы не́фти** нефть запасларини тугатмоқ; **~ все си́лы** бор кучини сарф қилмоқ; **~ терпе́ние** сабрини тугатмоқ, тоқатини тоқ қилмоқ.

ИСТОЩИ́/ТЬСЯ *сов.* (*несов.* **истоща́ться**) 1 озиб (ориқлаб) кетмоқ, озиб-тўзмоқ, озиб қуруқ силласи қолмоқ, тинкаси (мадори) қуримоқ; 2 *с.-х.* ориқламоқ; **по́чва ~лась** ер ориқлаб қолди; 3 битмоқ, тугамоқ; соп (тамом) бўлмоқ, қуримоқ; **запа́сы ~лись** запаслар тамом бўлди; **терпе́ние ~лось** сабр-тоқати тугади, тоқати тоқ бўлди.

ИСТРАТИ/ТЬ, -а́чу, -а́тишь *сов.* (*несов.* **истра́чивать**) *что* 1 сарфламоқ, сарф (харажат) қилмоқ; харжламоқ, ишлатмоқ, сарфлаб (харажат қилиб, ишлатиб) битирмоқ, ишлатиб (сарфлаб) юбормоқ; **не ~л ни копе́йки** бир тийинни ҳам сарф қилмади (м); **~ть все патро́ны** ҳамма патронни сарф қилиб (ишлатиб) юбормоқ, патронларнинг ҳаммасини отиб битирмоқ; 2 кетказмоқ, сарф қилмоқ (вақт ҳақида); **на ремо́нт ~ли це́лый день** ремонтга бир кун кетказишди; ремонт учун бир кун кетди.

ИСТРАТИ/ТЬСЯ, -а́чусь, -а́тишься *сов.* (*несов.* **истра́чиваться**) 1 **-тится** сарф бўлмоқ, сарфланмоқ, сарфланиб кетмоқ; **де́ньги ~лись** пул тамом бўлди, пул сарфланиб кетди; 2 тамом бўлмоқ, кетмоқ, сарф бўлмоқ (вақт ҳақида); 3 чиқимдор бўлмоқ, кўп харажат қилмоқ; **В пое́здке я весь ~лся** (Чехов) Сафарда (йўлда) кўп чиқимдор бўлдим.

ИСТРА́ЧИВАТЬ *несов. см.* **истра́тить.**

ИСТРА́ЧИВАТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **истра́титься**; 2 *страд. от* **истра́чивать.**

ИСТРЕБИ́ТЕЛЬ *м* 1 *кого-чего* қирувчи, қириб битирувчи (йўқ қилувчи), кушанда; **~грызуно́в** кемирувчилар кушандаси; 2 истребитель, қирувчи самолёт; 3 қирувчи самолёт учувчиси; **лётчик-~** қирувчи самолёт учувчиси.

ИСТРЕБИ́ТЕЛЬНИЦА *ж см.* **истреби́тель** 1.

ИСТРЕБИ́ТЕЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое 1 қирувчи, қирон солувчи, қирғин келтирувчи, қиронли, қирғин...; **~ая война́** қирғин (қиронли) уруш; **~ый ого́нь** қирғин келтирувчи ўт

www.ziyouz.com kutubxonasi

(отишма); 2 қирувчи; **~ая авиа́ция** қирувчи авиация; **~ый отря́д** қирувчи отряд.

ИСТРЕБИ́ТЬ, -блю́, -би́шь *сов. (несов.* **истребля́ть**) *кого-что* қирмоқ, қириб ташламоқ (юбормоқ), қирғин солмоқ; йўқ қилмоқ, маҳв этмоқ, тутдай тўкмоқ; хароб қилмоқ; **~ мух** пашшаларни қирмоқ (йўқ қилмоқ); **~ неприя́тельский отря́д** душман отрядини йўқотмоқ.

ИСТРЕБИ́ТЬСЯ, -и́тся *сов. (несов.* **истребля́ться**) қирилмоқ, қирилиб битмоқ, йўқ бўлмоқ.

ИСТРЕБЛЕ́НИЕ *с по гл.* **истреби́ть — истребля́ть; ~ грызуно́в** кемирувчиларни қириш.

ИСТРЕБЛЯ́ТЬ *несов. см.* **истреби́ть.**

ИСТРЕБЛЯ́ТЬСЯ, -я́ется *несов.* 1 *см.* **истреби́ться**; 2 *страд. от* **истребля́ть.**

ИСТРЕБОВА́ТЬ *сов. кого-что книжн.* талаб қилиб (сўраб) олмоқ, сўратиб олмоқ, чақиртириб олмоқ.

ИСТРЕПА́ННЫЙ, -ая, -ое 1 *прич. от* **истрепа́ть**; 2 *в знач. прил.* кўп ишлатилиб (тутилиб) эскирган, титилиб кетган, титиғи (питиғи, увадаси) чиққан; жулдур; шалоқ; **~ый костю́м** жулдур костюм; **~ая кни́жка** титилиб кетган (шалоқ) китоб.

ИСТРЕПА́ТЬ, -еплю́, -е́плешь *сов. (несов.* **истрёпывать**) *кого-что* 1 эскитмоқ, тўзитмоқ, йиртмоқ, дабдаласини (титиғини, питиғини, увадасини) чиқармоқ; шалоқ қилиб юбормоқ; **~ кни́гу** китобни тўздирмоқ; китобни эскитиб (йиртиб, шалоқ қилиб) юбормоқ; 2 *разг.* ишдан чиқармоқ, тамом қилмоқ, бузмоқ; **Беспрерывные бои́ истрепа́ли люде́й и коне́й** (Первенцев) Тўхтовсиз жанглар одамларни ва отларни ишдан чиқарди (тамом қилди); ✦ **~ не́рвы** асабни ишдан чиқармоқ.

ИСТРЕПА́/ТЬСЯ, -еплю́сь, -е́плешься *сов. (несов.* **истрёпываться**) *разг.* 1 эскирмоқ, йиртилмоқ, титилмоқ, тўзмоқ, дабдаласи (титиғи, питиғи, увадаси) чиқмоқ; жулдур (шалоқ) бўлиб кетмоқ; **оде́жда ~лась** кийим эскиб кетди; кийимнинг увадаси чиқиб кетди; **о́бувь ~лась** оёқ кийим йиртилиб (ийиғи чиқиб) кетди; 2 *разг.* силласи қуримоқ, суроби тўғри бўлмоқ, миррасига тақалмоқ; 3 *прост.* ахлоқан тубанлашмоқ, тамом бўлмоқ; **~ться от пья́нства** ичкиликдан тамом бўлмоқ.

ИСТРЁПЫВАТЬ *несов. см.* **истрепа́ть.**

ИСТРЁПЫВАТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **истрепа́ться**; 2 *страд. от* **истрёпывать.**

ИСТРЕСКИВА́ТЬСЯ, -ается *несов. см.* **истреска́ться.** *разг.* ёрилиб-ёрилиб кетмоқ; торс-торс ёрилмоқ; **штукату́рка ~лась** сувоқ торс-торс ёрилиб кетди.

ИСТРЕ́СКИВАТЬСЯ, -ается *несов. см.* **истре́скиваться.**

ИСТУКА́Н *м* 1 бут, санам; 2 *прост.* тошбағир одам, баттол; каллаварам; ✦ **стоя́ть как ~** (или **стоя́ть ~ом**) *разг.* 1) қаққайиб (серрайиб) турмоқ; тошқотиб қолмоқ; 2) анқайиб (оғзи очилиб) қараб қолмоқ.

ИСТУПИ́ТЬ, -уплю́, -у́пишь *сов. (несов.* **иступля́ть**) *что* ўтмас (тўмтоқ) қилиб қўймоқ; дамини қайтармоқ.

ИСТУ́ПИ/ТЬСЯ, -у́пится *сов. (несов.* **иступля́ться**) ўтмас (тўмтоқ) бўлиб қолмоқ, дами қайтмоқ; **нож ~лся** пичоқ ўтмас бўлиб қолди.

ИСТУПЛЯ́ТЬ *несов. прост. см.* **иступи́ть.**

ИСТУПЛЯ́ТЬСЯ, -я́ется *прост.* 1 *см.* **иступи́ться**; 2 *страд. от* **иступля́ть.**

ИСТЦО́ВЫЙ, -ая, -ое даъвогарга оид; даъвогар...

ИСТЫЙ, -ая, -ое ҳақиқий, чин, чинакам, асл; **~ книголю́б** ҳақиқий китобсевар; **~ охо́тник** ҳақиқий (чин) овчи.

ИСТЫ́КАТЬ *сов. (несов.* **исты́кивать**) *кого-что разг.* 1 тешмоқ, санчиб-санчиб қўймоқ; тешиб-тешиб ташламоқ; **~ игло́кой** игна (нина) билан тешиб ташламоқ; 2 қоқиб (санчиб) ташламоқ, санчиб тўлдирмоқ, қопламоқ; **~ ка́рту флажка́ми** картага байроқчалар санчиб ташламоқ.

ИСТЫ́КИВАТЬ *несов. см.* **исты́кать.**

ИСТЯЗА́НИ/Е *с* 1 *по гл.* **истяза́ть**; 2 *мн.* **~я** қийноқ, азоб; **подверга́ться ~ям** қийноққа солинмоқ; қийноқда қолмоқ.

ИСТЯЗА́ТЕЛЬ *м* қийновчи, эзувчи, золим, баттол, ситамгар.

ИСТЯЗА́ТЕЛЬНИЦА *ж см.* **истяза́тель.**

ИСТЯЗА́ТЬ *несов. кого-что* қийнамоқ; азобламоқ, азоб бермоқ, эзмоқ, жонини олмоқ, ситам қилмоқ.

ИСХАЖИВА́ТЬ *несов. многокр. см.* **исходи́ть I.**

ИСХИТРИ́ТЬСЯ *сов. (несов.* **исхитря́ться**) *разг.* 1 **айёр** (қув, муғамбир) бўлиб кетмоқ; 2 усталик (эпчиллик) қилмоқ, усталик билан йўл топмоқ; **~ поима́ть пти́цу** усталик билан қушни тутиб олмоқ.

ИСХИТРЯ́ТЬСЯ *несов. см.* **исхитри́ться.**

ИСХЛЕСТА́ТЬ, -ещу́, -е́щешь *сов. (несов.* **исхлёстывать**) *разг.* 1 *кого-что* урмоқ, калтакламоқ, саваламоқ, қамчиламоқ; **~ кнуто́м** қамчи билан саваламоқ; 2 *что* ураверіб (ишлатаверіб) ишдан чиқармоқ; **~ кнут** ураверіб қамчини ишдан чиқармоқ (синдирмоқ).

ИСХЛЁСТЫВАТЬ *несов. см.* **исхлеста́ть.**

ИСХЛОПА́ТЫВАТЬ *несов. см.* **исхлопота́ть.**

ИСХЛОПА́ТЫВАТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **исхлопота́ться**; 2 *страд. от* **исхлопа́тывать.**

ИСХЛОПОТА́ТЬ, -очу́, -о́чешь *сов. (несов.* **исхлопа́тывать**) *что разг.* ҳаракат қилиб (югуриб-елиб) эришмоқ, олмоқ, қўлга киритмоқ, ундирмоқ, кўндирмоқ; **~ путёвку в санато́рий** ҳаракат қилиб санаторияга путёвка олмоқ.

ИСХЛОПОТА́ТЬСЯ, -очу́сь, -о́чешься *сов. (несов.* **исхлопа́тываться**) *разг.* югуриб-елиб (ҳаракат қилиб) чарчамоқ; овора бўлиб (уриниб) тинкаси қуримоқ; **~ на ку́хне** ошхона иши билан овора бўлиб тинкаси қуримоқ.

ИСХО́Д *м* 1 *книжн. уст. по гл.* **исходи́ть 1, 2; Вход туда́ для всех откры́т — Нет ~а уж отту́да** (Пушкин) У ерга ҳамма учун йўл очиқ — Аммо у ердан чиқиш йўқ; 2 илож, чора, йўл; **труд — э́то еди́нственный спо́соб реше́ния тво́рческих пробле́м. Друго́го ~а нет** меҳнат — ижодий проблемаларни ҳал қилишнинг бирдан-бир йўли. Бошқача йўл йўқ; 3 охир, пировард, тамом, хотима; **~ борьбы́** курашнинг охири (хотимаси ёки оқибати); **~ дня** кун охири; 4 оқибат, натижа; **~ бо́я** жангнинг натижаси (оқибати); **~ соревнова́ния** мусобақанинг натижаси; ✦ **в ~е** охири, тугаши олдида; **в ~е четвёртого дня** тўртинчи кун охирида; **на ~е** тугай деб қолди, тамом бўлай деб қолди, охирлаб қолди; **вре́мя на ~е** вақт тугай деб қолди, вақт тамом бўляпти; **дать** (или **найти́** и т. п.) **~ чему** юзага чиқишига имкон бермоқ, йўл очмоқ.

ИСХОДАТАЙСТВОВА́ТЬ *сов. что кому книжн.* илтимос (арз, талаб) қилиб олмоқ, сўраб олмоқ, ундирмоқ, кўндирмоқ; **~ посо́бие** арз (талаб) қилиб нафақа олмоқ.

ИСХОДИ́ТЬ I, -ожу́, -о́дишь *сов. (многокр.* **исха́живать**) *разг.* айланиб (кезиб) чиқмоқ, кўп ерда бўлмоқ; **~ весь го́род** бутун шаҳарни айланиб чиқмоқ.

ИСХОД/И́ТЬ II, -ожу́, -о́дишь *несов.* 1 *уст. и книжн.* чиқмоқ, бошланмоқ; **две прямы́е, ~ящие из одно́й то́чки** бир нуқтадан чиққан икки тўғри чизиқ; 2 *от кого-чего* или *из чего* келмоқ, чиқмоқ, тарқалмоқ, эшитилмоқ; **го́лос, ~ ~ящий из-за сце́ны** саҳна орқасидан келаётган товуш; 3 *из чего* асосланмоқ, таянмоқ, асос қилиб олмоқ; **~ить из предположе́ния, что...** ...деган тахминга асосланмоқ; 4 *от кого-чего* или *из чего* олинмоқ, чиқмоқ, эшитилмоқ; **све́дения ~ят из ве́рных исто́чников** маълумотлар ишончли манбалардан чиққан (эшитилган, олинган).

ИСХОДИ́ТЬ III *несов. см.* **изойти́.**

ИСХОДН/ЫЙ, -ая, -ое бошланғич, илк, дастлабки; асос қилиб олинган; **~ый пункт** бошланғич пункт; манша; **~ая пози́ция** бошланғич (дастлабки) позиция; **~ые да́нные** дастлабки (бошланғич) маълумотлар; асос қилиб олинган (асос бўлган) маълумотлар.

ИСХОДЯЩ/И́Й, -ая, -ее 1 *прич. от* **исходи́ть II; распоряже́ния, ~е из канцеля́рии** канцеляриядан келадиган буйруқлар; 2 *в знач. прил. спец.* чиқадиган, жўнатиладиган, юбориладиган; юборилган; **~е бума́ги** бирор муассасадан чиқадиган (юбориладиган) ҳужжатлар; **~й но́мер** чиқиш номери.

ИСХУДА́ЛЫЙ, -ая, -ое *разг.* озиб-тўзиб кетган, ориқ, озғин, ранги-воши бир ҳолатда, рамақижон; **~ челове́к** ранги-воши бир ҳолатдаги (рамақижон) одам.

ИСХУДА́НИЕ *с книжн.* ориқлаш, озиб-тўзиб кетиш, ранги-воши бир ҳолатда (рамақижон) бўлиб қолиш.

ИСХУДА́/ТЬ *сов.* ориқламоқ, озиб-тўзиб кетмоқ, ранги-воши бир ҳолатда (рамақижон) бўлиб қолмоқ; **он о́чень ~л** у жуда озиб кетди (кетибди), у рамақижон бўлиб қолибди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ИСЦАРАПАТЬ *сов. (несов.* **исцара́пывать**) *кого-что* тимдалаб олмоқ, юмдалаб (тирнаб) ташламоқ; ~ **ру́ки** қўлни тимдалаб олмоқ.

ИСЦАРА́ПАТЬСЯ *сов. (несов.* **исцара́пываться**) *разг.* тирналмоқ, тимдаланмоқ, юмдаланмоқ, ҳамма ёғи тимдаланиб кетмоқ; ўзини юмдалаб ташламоқ; ~ **об кусты́** чакалакзорда ҳамма ёғи тимдаланиб кетмоқ.

ИСЦАРА́ПЫВАТЬ *несов. см.* **исцара́пать.**

ИСЦАРА́ПЫВАТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **исцара́паться**; 2 *страд. от* **исцара́пывать.**

ИСЦЕЛЕ́НИЕ *с книжн.* 1 *по гл.* **исцели́ть** и **исцели́ться**; ~ **больно́го** беморни даволаш; беморнинг даволаниши; 2 даво, шифо, соғайиш; **найти́** ~ даво (давосини) топмоқ; шифо топмоқ; **по́лное** ~ бутунлай соғайиб кетиш (дарди ариш); **Боле́знь в груди́ мое́й и нет мне исцеле́нья** (Лермонтов) Дард юрагимда ва менга даво йўқ (дард менинг юрагимда ва унинг давоси йўқ).

ИСЦЕЛИ́ТЕЛЬ *м книжн.* дардни олувчи, даволовчи, шифо бахш этувчи, дардга малҳам бўлувчи (одам ёки нарса).

ИСЦЕЛИ́ТЬ *сов. (несов.* **исцеля́ть**) *кого-что книжн.* даволамоқ, боқмоқ, муолажа қилмоқ; боқиб тузатмоқ; соғайтирмоқ, шифо бермоқ, касалдан фориғ қилмоқ; ~ ~ **больно́го** беморни тузатмоқ (касалдан фориғ қилмоқ).

ИСЦЕЛИ́ТЬСЯ *сов. (несов.* **исцеля́ться**) *книжн.* соғаймоқ, тузалмоқ, даволанмоқ, даво (шифо) топмоқ, касалдан фориғ бўлмоқ.

ИСЦЕЛЯ́ТЬ *несов. см.* **исцели́ть.**

ИСЦЕЛЯ́ТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **исцели́ться**; 2 *страд. от* **исцеля́ть.**

ИСЧАДИЕ: ~ **а́да** дўзахдан чиққан бало, дажжол, алвасти, даҳшат.

ИСЧА́ХНУТЬ, -ну, -нешь; -а́х, -а́хла *сов. (несов.* **ча́хнуть**) ориқлаб кетмоқ, чўп-устухон бўлиб қолмоқ, адо (хазон) бўлмоқ; тинка-мадори (мажоли) қуримоқ, сўлиб, қуриб қолмоқ; ~ **от боле́зни** касалдан мадори (мажоли) қуримоқ; ~ **от тоски́** ғам-ғуссадан адо бўлмоқ.

ИСЧЕЗА́ТЬ *несов. см.* **изче́знуть.**

ИСЧЕЗНОВЕ́НИЕ *с по. гл.* **исче́знуть.**

ИСЧЕ́ЗНУТЬ, -ну, -нешь; -е́з, -е́зла *сов. (несов.* **исчеза́ть**) 1 йўқолмоқ, йўқ бўлмоқ, йўқ бўлиб кетмоқ, барҳам топмоқ; ~ **с лица́ земли́** ер юзидан йўқ бўлиб кетмоқ; 2 йўқолмоқ, йўқолиб (йўқ бўлиб) қолмоқ, ғойиб бўлмоқ; домдараксиз (сувга уриб, бадар) кетмоқ; ~ **в темноте́** қоронғида ғойиб бўлмоқ; ~ **из ви́да** кўздан ғойиб бўлмоқ; 3 *разг.* кўздан ғойиб бўлмоқ, билдирмай кетиб қолмоқ, шабохун урмоқ, жуфтакни ростламоқ; **куда́ вы исче́зли?** қаёққа ғойиб бўлдингиз?; 4 *разг.* кўринмай кетмоқ, қадам босмай қўймоқ, қадамини узмоқ.

ИСЧЕ́РКАТЬ, -а́ю, -а́ешь и **ИСЧЕ́РКАТЬ, -аю, -аешь** *сов. (несов.* **исчёркивать**) *что* чизиб (чизиб-чизиб, чизма-чизиқ қилиб) ташламоқ, чизиб (ёзиб) қоп-қора қилиб юбормоқ; ~ **ру́копись** қўл ёзмани чизиб қоп-қора қилиб юбормоқ; ~ **всю бума́гу** қоғозни чизиб (чизма-чизиқ қилиб) ташламоқ.

ИСЧЕ́РКИВАТЬ *несов. см.* **исчерка́ть.**

ИСЧЕРНА- қорага мойил, қорамтир; ~**-се́рый** қорамтир-кул ранг.

ИСЧЕ́РПА/ТЬ *сов. (несов.* **исче́рпывать**) *что* 1 батамом фойдаланмоқ, ишлатиб (фойдаланиб) тугатмоқ, тамомламоқ, тамом қилмоқ, битирмоқ; ~**ть ресу́рсы** ресурсларни тамом қилмоқ; ~**ть все до́воды** барча далилларни келтириб кўрмоқ (бўлмоқ); 2 *книжн.* батамом бажармоқ, охирига олиб бормоқ, тугатмоқ; **пове́стка дня** ~**на** кун тартиби (кун тартибига кирган масалалар) тугади; **инциде́нт** ~**н** гап (жанжал) тамом, жанжал қолмади.

ИСЧЕ́РПАТЬСЯ, -ается *сов. (несов.* **исче́рпываться** 1) тугамоқ, тамом бўлмоқ, битмоқ, тугамоқ.

ИСЧЕ́РПЫВАТЬ *несов. см.* **исче́рпать.**

ИСЧЕ́РПЫВА/ТЬСЯ, -ается *несов.* 1 *см.* **исчерпа́ться**; **ресу́рсы** ~**ются** ресурслар тугаяпти; 2 *чем* тугамоқ, тамом бўлмоқ, охирига етмоқ; **э́тим де́ло не** ~**ется** бу билан иш тугамайди.

ИСЧЕ́РПЫВАЮЩЕ *нареч.* тўлиқ суратда, тўла-тўкис қилиб, атрофлича, етарлича, мукаммал, тўла, тўлиқ; ~ **освети́ть вопро́с** масалани мукаммал ёритмоқ.

ИСЧЕ́РПЫВАЮЩИЙ, -ая, -ее *книжн.* 1 *прич. от* **исче́рпывать**; 2 *в знач. прил.* тўла-тўкис, тугал, мукаммал, тўла-тўкис; ~ **отве́т** тўлиқ жавоб.

ИСЧЕРТИ́ТЬ, -ерчу́, -е́ртишь *сов. (несов.* **исче́рчивать**) *что* 1 чизмоқ, чизиқ (белги, штрих ва ш. к.) билан тўлдирмоқ; ~ **лист бума́ги** қоғоз листини чизиқ (чизиқлар) билан тўлдирмоқ; 2 *разг.* (чизавериб) тамом қилмоқ; ~ **весь каранда́ш** чизавериб қаламни тамом қилмоқ.

ИСЧЕ́РЧИВАТЬ *несов. см.* **исчерти́ть.**

ИСЧИСЛЕ́НИЕ *с* 1 *по гл.* **исчи́слить — исчисля́ть**; ~ **проце́нтов** процентларни ҳисоблаш (ҳисоблаб чиқариш); 2 *мат.* ҳисоб; ~ **бесконе́чно ма́лых вели́чин** чексиз кичик сонлар ҳисоби; **интегра́льное** ~ интеграл ҳисоб; **дифференциа́льное** ~ дифференциал ҳисоб.

ИСЧИСЛИ́ТЬ *сов. (несов.* **исчисля́ть**) *что книжн.* ҳисобламоқ, ҳисоблаб чиқмоқ; санаб чиқмоқ; ҳисоблаб топмоқ (аниқламоқ, чиқармоқ); ~ **сто́имость стройте́льных рабо́т** қурилиш ишларининг қийматини ҳисоблаб чиқмоқ.

ИСЧИСЛЯ́ТЬ *несов. см.* **исчи́слить.**

ИСЧИСЛЯ/ТЬСЯ, -я́ется *несов.* 1. ҳисобланмоқ, ифодаланмоқ; ташкил этмоқ; **дохо́ды колхо́зов** ~**ются миллио́нами рубле́й** колхозларнинг даромади миллион сўмлар билан ҳисобланади (ифодаланади); колхозларнинг даромади бир неча миллион сўмни ташкил қилади; 2 *страд. от* **исчисля́ть.**

ИСШАРИ́ТЬ *сов. что разг.* ковлаб (ахтариб) чиқмоқ, ахтариб ағдар-тўнтар (тит-пит) қилмоқ.

ИСШАРКА́ТЬ *сов. (несов.* **исша́ркивать**) *что разг.* шақир-шақир қилиб эскитмоқ, тапир-тупир юравериб (мас., рақс тушиб) ишдан чиқармоқ; ~ **пол** тапир-тупир юравериб (мас., рақс тушиб) полни ишдан чиқармоқ.

ИСШАРКИВАТЬ *несов. см.* **исшарка́ть.**

ИСЩИПА́ТЬ, -ипле́, -и́плешь *сов. (несов.* **исщи́пывать**) *кого-что разг.* чимчиламоқ, чимчилаб ташламоқ.

ИСЩИ́ПЫВАТЬ *несов. см.* **исщипа́ть.**

ИТАК *союз* демак, шундай экан, шундай қилиб, бас, алқисса, бинобарин; ~, **мы договори́лись** демак, келишиб олдик; ~, **зада́ча решена́** демак, масала ҳал.

ИТАЛЬЯ́НЕЦ *м, р.* **-нца** итальян; *см.* **итальянцы.**

ИТАЛЬЯ́НКА *ж, р. мн.* **-нок** итальян аёл, итальянка; *см.* **итальянцы.**

ИТАЛЬЯ́НСК/ИЙ, -ая, -ое Италияга ва италияликларга оид; Италия...; итальян(лар)...; ~**ая литерату́ра** итальян адабиёти.

ИТАЛЬЯ́НЦЫ *мн. (ед.* **итальянец** *м,* **итальянка** *ж*) итальянлар, италияликлар, Италия халқи.

ИТЕЛЬМЕ́Н *м* ительмен; *см.* **ительме́ны.**

ИТЕЛЬМЕ́НКА *ж. р. мн.* **-нок** ительмен аёл; *см.* **ительме́ны.**

ИТЕЛЬМЕ́НСКИЙ, -ая, -ое ительменларга оид; ительмен(лар)...; ~ **язы́к** ительмен тили.

ИТЕЛЬМЕ́НЫ *мн. (ед.* **ительме́н** *м,* **ительме́нка** *ж*) ительменлар (Камчатканинг Қоряк Автоном областида яшовчи элат).

ИТО́Г *м* 1 жами, ҳаммаси; **подвести́** ~ жамламоқ; **записа́ть** ~ жамини ёзиб қўймоқ; **найти́** ~ жамини топмоқ (ҳисоблаб чиқармоқ); 2 якун, натижа; ~ **и соревнова́ния** мусобақа якунлари; ~ **и перегово́ров** музокаралар натижаси; ✦ **в** ~ **е** охирида, пировардида, оқибатда.

ИТОГО́ *нареч.* жами, ҳаммаси; жами (ҳаммаси) **бу́либ,** жамулжам.

ИТО́ГОВ/ЫЙ, -ая, -ое 1 ҳаммаси, жами; ҳамма...; жами...; ~**ая су́мма** ҳамма (жами) сумма; 2 якунловчи, хулосаловчи, якуний, охирги; ~**ые заня́тия** якунловчи машғулотлар.

ИТОЖИТЬ *несов. что* 1 жамламоқ, жамлаб чиқмоқ, ҳисоблаб жамини чиқармоқ; ~ **счета́** счетларни жамламоқ; 2 *разг.* хулосаламоқ, хулосага келмоқ, хулоса чиқармоқ, якун ясамоқ; ~ **проде́ланное** қилинган ишларга якун ясамоқ; ~ **про́житое** бошдан кечирганларни эслаб хулоса чиқармоқ (бир хулосага келмоқ).

ИУДА *м бран.* хоин, сотқин, мунофиқ (христиан афсоналарига кўра ўз устози, Исо пайғамбарга хиёнат қилган Иуда Искариот номидан).

ИУДАИЗА́ЦИЯ *ж* яҳудийлаштириш (**Исроилнинг бо-**

www.ziyouz.com kutubxonasi

сиб олинган араб ерларида ўз қонун ва урф-одатларини мажбуран ўрнатишга қаратилган сиёсати).

ИУДАЙЗМ *м* иудаизм, яҳудо дини.

ИУДЕ́И *мн. (ед.* **иуде́й** *м,* **иуде́йка** *ж)* яҳудийлар, яҳудо динидаги кишилар.

ИУДЕ́Й *м* яҳудий; *см.* **иуде́и.**

ИУДЕ́ЙКА *ж, р. мн.* **-е́ек** яҳудий аёл; *см.* **иуде́и.**

ИУДЕ́ЙСК/ИЙ, -ая, -ое яҳудо динига ва яҳудийларга оид; **~ая рели́гия** яҳудо дини, иудаизм.

ИУДЕ́ЙСТВО *с* **1** яҳудо дини, иудаизм; **2** *собир.* яҳудийлар.

ИУДУ́ШКА *м* мунофиқ, хоин, иккиюзламачи риёкор, бадкарда.

ИХ 1 *см.* **он; их мно́го** улар кўп; **э́то их де́ло** бу уларнинг иши; **2** *мест. притяж.* уларнинг; **по их мне́нию** уларнинг фикрича; **по ~ жела́нию** уларнинг хоҳиши билан.

ИХНЕВМО́Н *м* ихневмон, фиръавн сичқони (қичкина сутэмизувчи йиртқич ҳайвон, кемирувчилар кушандаси).

ИХТИОЗА́ВР *м* ихтиозавр (тухуми қуриб кетган судралувчи денгиз ҳайвони).

ИХТИО́Л *м* ихтиол (олтингугуртли қора қўнғир ёғсимон модда, яра ва чипқонни даволаш, дезинфекция ва бошқа мақсадлар учун ишлатилади).

ИХТИОЛО́В/ЫЙ, -ая, -ое ихтиолга оид; ихтиолли, ихтиол...; **~ая мазь** ихтиол малҳам(и).

ИХТИО́ЛОГ *м* ихтиолог, ихтиология мутахассиси.

ИХТИОЛОГИ́ЧЕСК/ИЙ, -ая, -ое ихтиологияга оид; ихтиологик; ихтиология...; **~ая лаборато́рия** ихтиология лабораторияси.

ИХТИОЛОГИЯ *ж* ихтиология (зоологиянинг балиқлар ҳақидаги бўлими).

ИША́К *м, р.* **-а́ 1** эшак; **2** хачир; **3** *перен. бран. прост.* эшак, аҳмоқ, тентак.

ИША́Ч/ИЙ, -ья, -ье 1 эшакка оид; эшак...; **~ья узде́чка** эшак югани; **~ий крик** эшакнинг ҳанграши; **2** *перен.* эшакдек, эшакларга хос, эшак каби; **~ье упря́мство** эшакдек қайсарлик.

ИША́ЧИТЬ *несов. прост.* эшакдек ишламоқ.

ИШЕМИ́Я *ж* ишемия (томирнинг сиқилиши ёки тўсилиши натижасида бирор аъзо ёки тўқимага қон келмай қолиши).

ИШИА́С *м* ишиас (қуймич нервининг яллиғланиши).

ИШЬ *частица прост.* оббо!, эҳа!; буни қаранг-а!; уни қара-я!; **~ како́й!** уни қаранг, қандай-а!; **~, что вы́думали!** ўйлаб топган нарсаларини (ишларини, гапларини) қаранг-а!; ✦ **~ ты!** сени қараю!; қаранг-а!; оббо сен-е!

ИЩЕ́ЙКА *ж, р. мн.* **ище́ек 1** исковуч ит; **2** *перен. презр.* изқувар, айғоқчи, жосус.

ИЮЛЬ *м* июль; **второ́е ию́ля** иккинчи июль; **второ́го ию́ля** иккинчи июлда, июль ойининг иккинчи кунида.

ИЮЛЬСК/ИЙ, -ая, -ое июль ойига оид, июлдаги, июль ойида бўлган (бўладиган); июль...; **~е дни** июль кунлари; **~й пле́нум** июль пленуми.

ИЮНЬ *м* июнь; **шесто́е ию́ня** олтинчи июнь; **шесто́го ию́ня** олтинчи июнда.

ИЮНЬСК/ИЙ, -ая, -ое июнь ойига оид; июндаги, июнда бўлган (бўладиган); июнь...

Й

ЙЕМЕНЕЦ *м, р.* **-нца** яманлик, яман; *см.* **йе́менцы.**

ЙЕМЕНКА *ж, р. мн.* **-нок** яманлик аёл; яманка; *см.* **йе́менцы.**

ЙЕМЕНСКИЙ, -ая, -ое Яманга ва яманликларга оид, Яман..., яман(лар)...; **Йе́менская Ара́бская Респу́блика** Яман Араб Республикаси.

ЙЕМЕНЦЫ *мн. (ед.* **йе́менец** *м,* **йе́менка** *ж)* яманликлар, яманлар, Яман халқи.

ЙОГ *м* йога (Ҳиндистонда: ўз-ўзини мушоҳада қилиш, қийнаш, ўз фикри-хаёлига чўмиш йўли билан «илоҳий куч»ларни эгаллаш мумкин деб ҳисоблайдиган диний-фалсафий таълимот ва унга амал қилувчи одам).

ЙОД *м* йод (**1** галогенлар группасига мансуб химиявий элемент; **2** шу элементнинг спиртдаги эритмаси).

ЙОДИ́РОВАНН/ЫЙ, -ая, -ое йодли, йод қўшилган, йод аралашган; **~ая пищева́я соль** йодли оштузи.

ЙО́ДИСТЫЙ, -ая, -ое йодли, йод қўшилган (аралашган); йод...; **~ препара́т** йодли препарат, йод препарати; **~ на́трий** йодли натрий, натрий йодит.

ЙОДН/ЫЙ, -ая, -ое йодга оид, йодли, йод....; **~ый раство́р** йодли эритма; **~ая насто́йка** йод настойкаси.

ЙОДОФО́РМ *м фарм.* йодоформ (ўткир ҳидли сариқлимон ранг кристалл порошок, йод препарати).

ЙОРКШИ́РСКИЙ, -ая, -ое Йоркширга (Буюк Британиядаги графликка) оид; йоркшир...; ✦ **йоркши́рские сви́ньи** йоркшир чўчқалари.

ЙОРКШИ́РЫ *мн. (ед.* **йоркши́р** *м) то же, что* **йоркши́рские сви́ньи.**

ЙОТ *м йот* (латин алфавитида «j» ундош товушининг номи).

ЙОТ/А *ж* йота (грек алфавитида тўққизинчи ҳарф); ✦ **ни на ~у** *разг.* заррача ҳам, зиғирча ҳам, сира ҳам; **он ни на~у не измени́лся** у заррача ҳам ўзгармапти.

ЙОТА́ЦИЯ *ж лингв.* йотация, «йо»лашиш (сўз бошида ёки ўртасида унли товуш олдида «j» товушининг келиши).

ЙОТИ́РОВАННЫЙ, -ая, -ое *лингв.* «йо»лашган; **~е гла́сные** «йо»лашган унлилар (**я** — йа, **е** — йэ, **ё** — йо, **ю** — йу).

ЙОТО́ВАННЫЙ, -ая, -ое *то же, что* **йоти́рованный.**

К

К, КО *предлог с дат.* **1** иш-ҳаракатнинг йўналиши, бирор кимсага-нарсага қаратилганлиги ва ш. к. маъноларни билдириб келади: -га (-ка, -қа), сари, қараб, томон, томонига, тарафига, ёнига, олдига; **направля́ться к реке́** дарёга йўл олмоқ; **плыть к бе́регу** қирғоққа қараб (томон) сузмоқ; **плыть от о́строва к о́строву** бир оролдан иккинчи оролга сузиб бормоқ; **от до́ма к до́му** бир уйдан иккинчи уйга; **подойти́ к прия́телю** ўртоғининг олдига бормоқ; дўстига яқинлашмоқ; **гото́виться к конце́рту** концертга тайёрланмоқ; **обраща́ться к молодёжи** ёшларга мурожаат қилмоқ, ёшларга қарата гапирмоқ; **подсе́сть к столу́** столга яқин ўтирмоқ; **доро́га к ба́зе** базага олиб борадиган йўл; **ко лбу** пешонага; **2** вақтни, пайтни, муддатни билдиради; -га, -га бориб, -гача, -га қадар; **к двум часа́м дня** кундуз соат иккига қадар (бориб); кундуз соат иккига; **к ве́черу он ко́нчил рабо́ту** кечга бориб у ишни тугатди; **к утру́ ве́тер стих** эрталабга бориб шамол тинди; **3** муносабатни ифодалайди: -га; -га нисбатан; **любо́вь к жи́зни** ҳаётга **(нисбатан) муҳаббат; он ко мне не располо́жен** у менга ёқтирмайди; **4** қўшиш, бириктириш, ёпиштириш ёки қўшилиш, бирикиш, ёпишиш каби маъноларни ифодалашда ишлатилади: -га (-қа, -ка); **приба́вить три к пяти́** бешга учни қўшмоқ; **прикрепи́ть к стене́** деворга ёпиштирмоқ (маҳкамламоқ, қоқиб қўймоқ); **припа́сть к земле́** ерга ётиб (ёпишиб) олмоқ; **5** оидлик, тааллуқлилик, мансублик, хослик каби маъноларни билдириб келади -га (-ка, -қа); -га атаб, учун; **он отно́сится к интеллиге́нции** у зиёлиларга тааллуқли одам; у зиёлилардан; **предисло́вие к кни́ге** китоб учун кириш сўз; китобнинг кириш сўзи; **6** бирор воқеа ё ҳодисага оидлик, бағишланганлик, аталганлик каби маъноларни билдириб келади: -га оид (доир); муносабати билан; **к юбиле́ю Низами́** Низомий юбилейига атаб, Низомий юбилейи муносабати билан; **пода́рок ко дню рожде́ния** (кимсанинг) туғилган кунига аталган совға; **к вопро́су о...** ...масаласига доир; **7** кириш сўз ва ибораларда сўзловчининг изҳор қилинаётган фикрига муносабатини билдиради; **к сча́стью** бахтимизга, яхшиямки; **к сожале́нию** афсуски, таассуфки; **к сло́ву (сказа́ть)** шуни ҳам айтиш ке-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ракки; 8 такрорланган отлар ўртасида **келиб, равиш** маъносидаги бирикмалар ҳосил қилади, мас., **лицо́м к лицу́** юзма-юз; **плечо́м к плечу́** елкама-елка ва ш. к.

-КА *частица разг.* 1 буйруқ феълига қўшилиб, буйруқни юмшатиш, гапга насиҳат тусини бериш учун хизмат қилади: **-чи; қани... -чи; скажи́-ка** мне (қани) менга айтчи; **да́йте-ка посмотре́ть** қани, бир кўрайчи; мумкин бўлса кўрсатингчи; 2 келаси замон 1 шахс формасига қўшилиб, тилак, истак ёки қарор маъносини билдиради; **пойду́-ка я в кино́** мен бир кинога борайчи; кинога борақолай; **напишу́-ка я письмо́** мен бир хат ёзай(-чи).

КАБА́К *м, р.* **-а́** 1 қовоқхона, шаробхона, майхона; 2 *перен. прост.* ивирсиган (билиқсиган) уй, тартибсиз (итирқини) жой; **что за ~ здесь устро́или!** бу ерни роса ивирситиб (итирқини қилиб) юборибсизларку!

КАБА́Л/А *ж* 1 *ист.* кабала (Қадимги Русьда: қарздорнинг қарз берган кишига — феодалга умрбод қарам ёки қул бўлиб қолиши ва шу ҳақдаги аҳднома ёки тилхат); 2 *перен.* қуллик, тутқунлик, асорат; **попа́сть в ~у́** қулликка тушмоқ, асоратга тушиб қолмоқ.

КАРНИ́З *м* 1 карниз, арақи; 2 карниз, дор (парда осиш учун белгиланган дор), 3 *геол.* карниз (тоғ ёнбағридаги кирди-чиқди жойлар).

КАРОТЕ́ЛЬ *ж* мушак сабзи.

КАРП *м* карп, зоғорабалиқ; **зерка́льный ~** кам тангачали зоғорабалиқ.

КА́РПОВЫЕ *мн., р.* **-ых** карплар (карп оиласига мансуб балиқлар).

КАРСТ *м геол.* карст (тоштуз, оҳактош, гипс сингари эрувчан жинслардан тузилган ерларнинг нотекис кўриниши ва хоссалари).

КАРСТОВЫ/Й, -ая, -ое *геол.* карстга оид; карстлардаги ҳодисалар билан боғлиқ бўлган, карстлардаги; карст...; **~е пеще́ры** карстлардаги ғорлар; **~й ландша́фт** карст ландшафт; **~е явле́ния** карстларда юз берадиган ҳодисалар.

КАРТ *м* карт (кам литражли кичик пойгачи автомобиль).

КАРТ/А *ж* 1 харита, карта; **~а ми́ра** дунё харитаси; **полити́ческая ~а** сиёсий харита; **физи́ческая ~а** физик харита; **~а желе́зных доро́г** темир йўллар харитаси; 2 карта (ўйин қартаси); **тасова́ть ~ы** қартани чийламоқ (аралаштирмоқ); **игра́ть в ~ы** карта ўйнамоқ; 3 карта (маълум мақсад учун тузилган ҳужжат, қоғоз); **санато́рная ~а** са-

www.ziyouz.com kutubxonasi

наторий картаси (санаторийга борувчилар учун врачлар томонидан бериладиган ҳужжат; **технологи́ческая ~а** технологик карта, технология картаси; **4** *с.-х.* қарта, тахта, пайкал, пол, ✦ **спу́тать ~ы** *кому чем* бировнинг режасини бузиб юбормоқ, ишини бузмоқ, чалкаштирмоқ, чалкаш-чулкаш қилиб юбормоқ; **поста́вить (или ста́вить) на ~у** *что* таваккал қилмоқ, тикмоқ; **раскры́ть свои́ ~ы** ўз ниятини (мўлжалини, сирини ва ҳ. к.) билдириб қўймоқ; **~а би́та (или уби́та)** *чья* уринишлари бекор кетди, даъволари чиппакка чиқди; ютқазди, мот бўлди; **после́дняя ~а** сўнгги имконият, шанс; **~ы в ру́ки** *кому* иш эгасини топди; худди (сиз, у ва ҳ. к.) боп иш.

КАРТА́ВИТЬ, -влю, -вишь *несов.* **«р»** ёки **«л»** товушларини ноаниқ (чучук) талаффуз қилмоқ.

КАРТА́ВОСТЬ *ж* **«р»** ёки **«л»** товушларини чучук талаффуз этиш.

КАРТА́В/ЫЙ, -ая, -ое 1 «р» ёки **«л»** товушларини чучук талаффуз қиладиган, тили чучук; **~ый ма́льчик** тили чучук бола; **2** чучук талаффуз қилинган; **~ое «р»** чучук «р».

КАРТ-БЛА́НШ *м книжн.* **1** тўлдирмай қўл қўйилган тоза бланка; **2** чекланган ваколат.

КАРТВЕ́Л *м* картвел; *см.* **картве́лы.**

КАРТВЕ́ЛКА *ж, р. мн.* **-лок** картвелка; *см.* **картве́лы.**

КАРТВЕ́ЛЫ *мн. (ед.* **картве́л** *м,* **картве́лка** *ж)* картвеллар (1 грузинларнинг ўзига ўзи берган номи; **2** грузин, лаз, мингрел ва сванларнинг умумий номи).

КАРТЕ́ЖНИК *м разг.* қартабоз; қиморбоз.

КАРТЕ́ЖНИЦА *ж разг. см.* **картёжник.**

КАРТЕ́ЖНИЧАТЬ *несов. прост.* қартабозлик қилмоқ, қарта ўйнамоқ, вақтини қарта ўйнаш билан ўтказмоқ.

КАРТЕ́ЖНЫЙ, -ая, -ое *разг.* **карта ўйинига оид;** қарта ўйинига боғлиқ бўлган; қартабозлик...

КАРТЕЗИА́НСК/ИЙ, -ая, -ое картезианчиликка оид, картезианчилик...; **~ая филосо́фия** картезианчилик философияси.

КАРТЕЗИА́НСТВО *с* картезианчилик (Рене Декарт ва унинг издошлари яратган фалсафий таълимот).

КАРТЕЛИ́РОВАТЬ *сов.* и *несов. что* картеллаштирмоқ (капиталистик саноат корхоналарини картелларга бирлаштирмоқ).

КАРТЕЛИ́РОВАТЬСЯ, -руется 1 *сов.* и *несов.* картеллашмоқ, картелларга бирлашмоқ; **2** *несов. страд. от* **карте́лировать.**

КАРТЕ́ЛЬ *м* и *ж* картель (капиталистик бирлашма тури).

КАРТЕ́ЛЬНЫ/Й, -ая, -ое картелга оид, картель асосидаги; картель...; **~е объедине́ния** картель асосидаги бирлашмалар.

КА́РТЕР *м тех.* картер (двигателларнинг мой турадиган, айни вақтда уларни шикастдан, ифлосликлардан сақлайдиган қутиси).

КАРТЕ́ЧНЫЙ, -ая, -ое картечга оид; картечь...; сочма; **~патро́н** йирик питрали ўқ; **~ого́нь** картечь отиш.

КАРТЕ́ЧЬ *ж* **1** картечь (сочма ўқлар, ўқ, ядро шундай ўқлар, ядролар билан тўлдирилган артиллерия снаряди); **стреля́ть ~ю** картечь отмоқ; **2** йирик питра; шундай питра билан тўлдирилган ўқ; **заряди́ть ружьё ~ю** милтиқни йирик питрали патрон билан ўқламоқ.

КАРТИ́Н/А *ж* **1** расм, сурат; **~а вы́полненная ма́сляными кра́сками** мой бўёқ билан ишланган расм; **написа́ть ~у** расм солмоқ (чизмоқ, ишламоқ); **2** *театр.* кўриниш; **дра́ма в двух де́йствиях и четырёх ~ах** икки пардали, тўрт кўринишли драма; **3** *перен.* манзара, таъриф, тавсиф, тасвир; **нарисова́ть я́ркую ~у** ёркин манзарани (кўринишни) чизмоқ, тасвирлаб бермоқ; **4** манзара, кўриниш, қиёфа; **~а го́рода** шаҳар манзараси; **5** *перен.* ҳол, аҳвол, манзара; **~ы про́шлого** ўтмиш манзаралари; **заба́вная ~а** қизиқ манзара; қизиқ бир ҳол; **о́бщая ~а** умумий аҳвол; **~а вам ясна́?** аҳволнинг қандайлиги сизга тушунарлими?; **6** *разг.* кинофильм, фильм, картина; **~а в двух се́риях** икки серияли картина (фильм); **7** *разг.* баайни сурат, қўғирчоқ (жуда чиройли, гўзал кимса ё нарса ҳақида); **не де́вушка, а ~а!** қизмисан, қиз!; баайни сурат!

КАРТИНГ *м* картинг (картлар пойгаси).

КАРТИНГИ́СТ *м* картингчи, картинг ҳайдовчи спортсмен.

КАРТИ́НК/А *ж, р. мн.* **-нок 1** *уменьш. от* **карти́на 1, 7; 2** сурат, расм; **кни́га с ~ами** суратли (расмли) китоб; ✦ **как ~а, как на ~е** жуда чиройли, жуда гўзал, баайни суратдагидек; **оде́т (или оде́тый) по ~е** *уст.* жуда яхши (чақмоқдай) кийинган, қўғирчоқдай ясанган.

КАРТИ́ННО *нареч.* жуда чиройли (образли, ифодали) қилиб, таъриф-тавсифини келтириб, келиштириб.

КАРТИ́НН/ЫЙ, -ая, -ое 1 суратга оид; сурат...; **~ая галере́я** суратлар галереяси; **~ая ра́мка** сурат ромкаси; **2** *перен.* суратдай чиройли, кўринишли, хушсурат, гўзал, зебо; **~ый наря́д** чиройли уст-бош; кўринишли либос; **3** *перен.* образли, тасвирли, ифодали; келиштирилган; **~ая речь** тасвирли (ифодали) нутқ.

КАРТОГРА́ММА *ж* картограмма (бирор ҳодисага оид статистик маълумотлар акс эттирилган харита); **~ пло́тности населе́ния** аҳолининг зичлик картограммаси; **~ распростране́ния фаза́нов** тустовуқларнинг тарқалиш картограммаси.

КАРТО́ГРАФ *м* картограф (хариталар тузувчи мутахассис, картография мутахассиси).

КАРТО́ГРАФИ́РОВАНИЕ *с* **1** *по гл.* **картографи́ровать; ~ ме́стности** жойни харитага олиш, маълум жой харитасини тузиш; **2** картограмма тузиш.

КАРТО́ГРАФИ́РОВАТЬ *несов, что* **1** харита чизмоқ, харита тузмоқ, харитага олмоқ; **2** картограмма тузмоқ.

КАРТОГРАФИ́ЧЕСК/ИЙ, -ая, -ое картографияга оид; картографик; картография...; **~ие зна́ки** картографик белгилар; **~ая фа́брика** картография фабрикаси.

КАРТОГРА́ФИЯ *ж* картография (1 географик хариталар ва уларни тузиш ҳақидаги фан; **2** географик хариталар тузиш, чизиш; харитага олиш).

КАРТОДИАГРА́ММА *ж спец.* картодиаграмма (харита ҳолидаги диаграмма).

КАРТО́Н *м* **1** картон; қалин қоғоз; **лист ~а** бир лист (бир варақ) картон; **2** *иск.* хомаки расм, этюд; **ра́нние ~ы Ре́пина** Репиннинг илк хомаки расмлари.

КАРТОНА́Ж *м* картонаж, картонаж буюмлар (картондан, қоғоздан ясалган буюмлар).

КАРТОНА́ЖНИК *м* картонажчи (картонаж буюмлар тайёрловчи ишчи).

КАРТОНА́ЖН/ЫЙ, -ая, -ое картонажга оид; картонаж...; **~ая фа́брика** картонаж фабрикаси; **~ые изде́лия** картондан, қоғоздан ясалган буюмлар, картонаж буюмлар.

КАРТО́НКА *ж, р. мн.* **-нок 1** картон (ёки фанер) коробка; **~ для шля́пы** шляпа қутиси; **2** *разг.* бир парча картон; картон парчаси, бўлаги.

КАРТО́ННН/ЫЙ, -ая, -ое картонга оид; картондан ясалган; картон...; **~ая коро́бка** картон коробка; **~ые игру́шки** картон ўйинчоқлар; **~ый цех** картон (картон буюмлар) цехи; ✦ **~ый до́мик** *то же, что* **ка́рточный до́мик** *см.* **ка́рточный.**

КАРТОТЕ́КА *ж* картотека (1 бирор соҳа бўйича маълумотлар ёзилган ва тартибга солинган карточкалар йиғиндиси; **слова́рная ~** луғат картотекаси; **библиоте́чная ~** кутубхона картотекаси; **2** *собир.* шундай карточкалар солинган яшиклар).

КАРТОТЕ́ЧНЫ/Й, -ая, -ое картотекага оид; картотека...; **~е я́щики** картотека яшиклари; **~й фонд** картотека фонди.

КАРТОФЕЛЕКОПА́ТЕЛЬ *м* картошка қазийдиган машина, картошкақазгич.

КАРТОФЕЛЕСАЖА́ЛКА *ж, р. мн.* **-лок** картошка экадиган машина, картошкаэккич.

КАРТОФЕЛЕУБО́РОЧНЫЙ, -ая, -ое картошка йиғиштирадиган (ковлайдиган); **~ комба́йн** картошка ковлайдиган (йиғиштирадиган) комбайн, картошка комбайни.

КАРТОФЕ́ЛИНА *ж разг.* картошка донаси; бир дона картошка; **испо́рченная ~** битта чириган картошка.

КАРТОФЕЛЬ *м* картошка (экини ва ҳосили); **ра́нний ~** эртанги картошка; **сажа́ть ~** картошка экмоқ; **убира́ть ~** картошкани йиғиштириб (йиғиб-териб) олмоқ, **картошка ковламоқ; жа́реный ~** қовурилган картошка.

www.ziyouz.com kutubxonasi

КАРТО́ФЕЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое 1 картошкага оид; картошка...; **~ая ботва́** картошка пояси (палаги, барглари); 2 картошкадан қилинган; картошкали; картошка...; **~ый суп** картошка(ли) шўрва; **~ое пюре́** картошка пюреси; **~ая мука́** 1) картошка уни; 2) *разг.* картошка крахмали.

КАРТО́ЧКА *ж, р. мн.* **-чек** карточка (бирор мақсад учун белгиланган варақа); **катало́жная ~** каталог карточкаси; **де́лать вы́писки на ~х** карточкаларга кўчирма олмоқ; **уче́тная ~** ҳисоб (учёт) карточкаси; 2 гувоҳнома ўрнидаги варақа, гувоҳнома; **корреспонде́нтская ~** мухбирлик гувоҳномаси; 3 таъминот варақаси; **продово́льственная ~** озиқ-овқат карточкаси; **промтова́рная ~** саноат моллари карточкаси; 4 фотосурат, сурат; **~ для удостовере́ния** гувоҳнома карточкаси; гувоҳномага ёпиштириладиган фотосурат; ✦ **визи́тная ~** *см.* **визи́тный; почто́вая ~** почта карточкаси, открытка.

КАРТО́ЧН/ЫЙ, -ая, -ое қартага, карта ўйинига оид; қарта...; **~ая игра́** карта ўйини; **~ый фо́кус** карта фокуси, қартада кўрсатиладиган фокус; **~ый сто́лик** карта столи, карта ўйналадиган стол; **~ый долг** карта қарзи, карта ўйинида бўлган (орттирилган) қарз; 2 карточкалардан ташкил топган; карточкалар...; **~ый катало́г** карточкалар каталоги; ✦ **~ый до́мик** 1) омонат, пуф деса учиб (йиқилиб) кетадиган (бино, иншоот ва ш. к. ҳақида); 2) асоссиз, пуч, беҳуда, (фикр, хаёл, даъво, назария ва ш. к. ҳақида); **ру́хнуть, как ~ый домик** пучга (йўққа) чиқмоқ, йўқ (барбод) бўлмоқ **~ая систе́ма** карточка системаси (озиқ-овқат ва саноат молларини карточка билан бериш, тақсимлаш системаси).

КАРТО́ШИНА *ж разг. то же, что* **карто́фелина.**

КАРТО́ШК/А *ж, р. мн.* **-шек** *разг.* 1 *собир.* картошка (тугунаги); **убра́ть ~у** картошкани йиғиштириб олмоқ; 2 *то же, что* **карто́фелина, карто́шина;** ✦ **~а в мунди́ре** *см.* **мунди́р; нос ~ой** бурни картошкага ўхшаган, бақабурун, муштбурун.

КАРТУ́З *м, р.* **-а́** картуз (1 эркакларнинг козирёкли бош кийими; 2 *уст.* қоғоз халтача; 3 *воен.* порох халтачаси).

КАРТУ́Ш *м спец.* картуш (жимжимадор лавҳа ёки рамка).

КАРТУ́ШКА *ж, р. мн.* **-шек** картушка (компаснинг градусларга бўлинган диски, циферблати).

КАРУСЕ́Л/Ь *ж* 1 карусель, от ўйини; **ката́ться на ~и** каруселда учмоқ; 2 *перен. разг.* чалкашлик, ишкал; **вот кака́я ~ь получа́ется!** мана қандай чалкашлик юз берди (беряпти)!

КАРУСЕ́ЛЬНЫЙ, -ая, -ое каруселга, от ўйинга оид; карусель...; от ўйин...; ✦ **~ стано́к** карусель станок (шпинделли вертикал ўқ атрофида айланадиган токарлик станоги).

КАРУСЕ́ЛЬЩИК *м* каруселчи (карусель станогида ишловчи ишчи).

КАРЦЕР *м* карцер (бир кишилик қамоқхона).

КАРЧ *м* и **КАРЧА́** *ж обл. то же, что* **коря́га** 1.

КАРЬЕ́Р I *м* карьер (отнинг энг тез югуриши, чопиши, елиши); **пусти́ть ло́шадь в ~ (~ом)** отни қўймоқ, елдирмоқ; ✦ **с ме́ста в ~** ўйлаб (тараддудланиб) ўтирмасдан, тайёрланмасдан; қизиқ устида; ...биланоқ, ...заҳоти.

КАРЬЕ́Р II *м* карьер (очиқ, саёз кон); **мра́морный ~** очиқ мармар кони; **песча́ный ~** очиқ қум кони; **у́гольный ~** очиқ кўмир кони.

КАРЬЕ́Р/А *ж* 1 эришилган мавқе (шуҳрат, муваффақият); мартабанинг (мансабнинг, хизмат даражасининг) юқорилашуви; кўтарилиш, шуҳрат (муваффақият) қозониш; **сде́лать блестя́щую ~у** жуда тез кўтарилмоқ, мартабаси ошмоқ; муваффақият (шуҳрат) қозонмоқ; 2 иш (хизмат) соҳаси, ҳунар, касб, йўл; **артисти́ческая ~а** артистлик касби (йўли); **гото́вить себя́ к нау́чной ~е** ўзини илмий соҳада (фан соҳасида) ишлашга тайёрламоқ, илм-фан соҳасида ишлашни мақсад қилиб олмоқ.

КАРЬЕ́РИЗМ *м* шуҳратпарастлик, амалпарастлик, мансабпарастлик, шуҳрат кетидан қувиш, мансабга интилиш.

КАРЬЕ́РИСТ *м* шуҳратпараст, амалпараст, мансабпараст; манфаатпараст.

КАРЬЕ́РИСТСКИ/Й, -ая, -ое шуҳратпараст (амалпараст) одамларга хос бўлган, шуҳратпарастлик (амалпарастлик) мақсадларини кўзлаб қилинган; шуҳратпарастлик...; **~е пла́ны** шуҳратпарастлик (амалпарастлик) планлари.

КАРЬЕ́РНЫЙ I, -ая, -ое *прил. от* **карье́р** I; **~ аллю́р** отнинг тез чопиши, елиши.

КАРЬЕ́РН/ЫЙ II, -ая, -ое *прил. от* **карье́р** II карьерга, очиқ конга оид; карьер...; **~ое хозя́йство** карьер хўжалиги.

КАСА́НИ/Е *с по гл.* **каса́ться; то́чка ~я** *мат.* уриниш нуқтаси.

КАСА́ТЕЛЬНАЯ *ж, р.* **-ой** *мат.* уринма (эгри чизиқнинг бирор нуқтасига тегиб ўтган тўғри чизиқ).

КАСА́ТЕЛЬНО *предлог с, р. книжн.* ҳақида, тўғрисида, хусусида; тааллуқли, тегишли, доир.

КАСА́ТЕЛЬСТВ/О *с книжн.* дахлдорлик, алоқадорлик; алоқа, тааллуқ; **к э́тому я никако́го ~а не име́ю** бунга менинг ҳеч қандай алоқам йўқ.

КАСА́ТИК I *м обл.* и *нар.-поэт.* азизим, жонгинам.

КАСА́ТИК II *м* гулсапсар, сапсаргул.

КАСА́ТКА *ж, р. мн.* **-ток** 1 қалдирғоч, дала қалдирғочи; 2 *обл.* и *нар.-поэт.* жонгинам, азизам.

КАСА́/ТЬСЯ *несов.* (*сов.* **косну́ться**) *кого-чего* 1 тегмоқ; қўл урмоқ, қўл тегизмоқ; тақилмоқ; **~ться руко́й по́ла** полга қўлни тегизмоқ; **ве́тки куст о́в ~лись во́ды** буталарнинг шохлари сувга тегиб турарди; 2 *перен.* тилга олмоқ; тил тегизмоқ, гапириб (тўхталиб) ўтмоқ; **~ться *кого-л.*** **вопро́са** бирор масалани тилга олиб ўтмоқ; бирор масала ҳақида гапирмоқ; 3 тегишли бўлмоқ, дахлдор (алоқадор, тааллуқли) бўлмоқ; **э́то ~ется и вас** бу сизга ҳам тегишли (тааллуқли, дахлдор); **э́то меня́ не ~ется** бунинг менга алоқаси йўқ; ✦ **что ~ется** *кого-чего* (или *до кого-чего*), **то...** ...га келганда; ...га келсак; ...нинг ҳақида; **что ~ется тебя́** сенга келсак, сенинг ҳақингда...

КА́СКА *ж, р. мн.* **-сок** каска, дубулға; **металли́ческая ~** металл каска; **пожа́рная ~** ўт ўчирувчилар каскаси.

КАСКА́Д *м* 1 каскад, поғонали шаршара (шовва, шалола); 2 *перен. чего* оқим, ёмғир; **~ слов** гап оқими; қайнаб чиқаётган (қуйилиб келаётган) гап; 3 *спец.* каскад (чавандозликда отдан ўзини ташлаш усули); 4 каскад (опереттада: ашула билан ўйналадиган шўх рақс); 5 каскад, тизма (кетма-кет уланган машиналар, манбалар тизмаси); ✦ **~ гидроэлектроста́нций** электр станциялар каскади (бирин-кетин жойлашган бир неча электростанция); **~ электроста́нций на Чирчике́** Чирчиқ электростанциялари каскади.

КАСКА́ДНЫЙ, -ая, -ое 1 поғонали, поғона-поғона; **~ го́рный руче́й** поғонали тоғ жилғаси (дарёчаси); 2 *уст.* оперетта руҳидаги, шўх, енгил; **~ арти́ст** енгил (шўх) ролларда ўйновчи артист.

КАСС/А *ж* касса (1 пул, қимматбаҳо қоғоз ва ш. к. сақланадиган махсус қути, сандиқ, ёки шкаф; **несгора́емая ~а** пўлат сандиқ; 2 муассасаларнинг пул, билет ва ҳ. к. сақланадиган, оладиган ва тарқатадиган махсус бўлими, хонаси; **подойти́ к ~е** кассага бормоқ, яқинлашмоқ; **биле́тная ~а** билет кассаси; **железнодоро́жная ~а** темир йўл кассаси; **театра́льная ~а** театр кассаси; **заплати́ть в ~у** кассага тўламоқ; 3 турли кредит органларининг номи; **сберега́тельная ~а** омонат кассаси; 4 тўпланган нақд пул; идора ёки муассаса қўлидаги нақд пул; **приня́ть ~у** кассани қабул қилмоқ; **сдать ~у** кассани топширмоқ; **прове́рить ~у** кассани текширмоқ; 5 пул майдалайдиган ёки билет сотадиган ярим автомат; **авто́бусная ~а** автобус кассаси; **неиспра́вная ~а** бузуқ (бузилган) касса; 6 *полигр.* ҳарфлар сақланадиган катак-катак яшик; **набо́рная ~а** ҳарфлар кассаси (яшиги); ✦ **~ взаимопо́мощи** ўзаро ёрдам кассаси.

КАССА́ТОР *м юр.* шикоят аризаси (кассация) берган киши.

КАССАЦИОНН/ЫЙ, -ая, -ое *юр.* кассацияга оид; кассацион...; кассация...; шикоят...; **~ая жа́лоба** кассация аризаси, шикоят аризаси; **~ый срок** кассация (шикоят аризаси бериш) муддати; **пересмо́тр де́ла в ~ом поря́дке** ишни кассация тартибига асосан (шикоят аризасига мувофиқ) қайта кўриш.

www.ziyouz.com kutubxonasi

КАССАЦИ/Я *ж* 1 *юр.* кассация (шикоят аризасига мувофиқ юқори суд органи томонидан қуйи суд ҳукмини қайта кўриш ёки бекор қилиш тартиби); 2 *разг.* кассация, шикоят (норозилик) аризаси; **подáть ~ю** шикоят (норозилик) аризаси бермоқ; 3 нотўғри деб ҳисоблаш ва бекор қилиш; **~я вы́боров** сайловни нотўғри деб ҳисоблаш ва бекор қилиш.

КАССЕ́ТКА *ж* кассета (1 фотоплёнка жойланадиган, ёруғлик ўтказмайдиган қутича; 2 магнитофоннинг лента ўраладиган диски; 3 бомбардимончи самолётнинг бомба ташлаш мосламаси).

КАССЕ́ТКА *ж, р. мн.* **-ток** *то же, что* **кассе́та** 1.

КАССЕТНЫЙ, -ая, -ое кассетага оид; кассетали; кассета...

КАССИ́Р *м* кассир, кассачи.

КАССИ́РОВАТЬ *сов.* и *несов. что юр.* 1 кассация қилмоқ; **~ приговóр** ҳукмни бекор қилмоқ; **~ вы́боры** сайловни бекор қилмоқ.

КАССИ́РША *ж разг.* кассир (кассачи) аёл.

КАССИЯ *ж* кассия (дуккаклилар оиласига мансуб ўсимлик; дони ва барглари сурги дори сифатида ишлатилади).

КАССОВ/ЫЙ, -ая, -ое кассага оид; кассадаги; касса...; **~ая кни́га** касса дафтари, кирим-чиқим дафтари; **~ая нали́чность** кассадаги нақд пул; **~ый аппара́т** касса аппарати.

КА́СТА *ж* 1 каста, табақа, тоифа; **~ брами́нов** браҳманлар табақаси; 2 *перен.* каста, табақа, тўда, гуруҳ; **дворя́нская ~** дворянлар табақаси.

КАСТАНЬЕ́Т/Ы *мн.* (*ед.* **кастанье́та** *ж*) кастаньета, қайроқ; **та́нцы с ~ами** қайроқ ўйин; **щёлкать ~ами** қайроқларни шиқиллатмоқ.

КАСТЕЛЯ́Н *м уст.* кастелян (қаср ёки жамоат уйи назоратчиси).

КАСТЕЛЯ́НША *ж* кастеляша (меҳмонхона, касалхона, санаторий ва ш. к. муассасаларда; уст-бош ва кўрпа-ёстиқ анжомларини бошқарувчи аёл, хўжалик бекаси).

КАСТЕ́Т *м* кастет (тўрт бармоқни ўтказиб ушлаш учун тўртта тешиги бўлган ясси металл асбоб, муштлашиш қуроли).

КА́СТОВОСТЬ *ж* табақаланганлик, табақаларга (касталарга) бўлинганлик; ўз қобиғида ўралганлик.

КА́СТОВ/ЫЙ, -ая, -ое 1 кастага (табақага, тоифага) оид; бирор каста (табақа) учун хос бўлган; **~ые предрассу́дки** каста хурофотлари; бирор кастага хос бидъатлар; 2 *перен.* жамиятдан, оммадан узилган, ўз қобиғида ўралиб қолган; **~ая за́мкнутость** жамиятдан ажралганлик; ўз қобиғида ўралиб қолганлик.

КА́СТОР *м* кастор мовут (патли қалин мовут).

КАСТО́РКА *ж разг. то же, что* **касто́ровое ма́сло** *см.* **касто́ровый** I.

КАСТО́РОВ/ЫЙ I: ~ое ма́сло канакунжут мойи, касторка.

КАСТО́РОВ/ЫЙ II, -ая, -ое кастор (мовут)дан тикилган, мовут...; **~ая шля́па** мовут шляпа.

КАСТРА́Т *м* бичилган одам, ахта.

КАСТРА́ЦИЯ *ж* ахталаш, бичиш.

КАСТРИ́РОВАТЬ *сов.* и *несов. кого* ахталамоқ, бичмоқ; **~ быка́** буқани ахталамоқ.

КАСТРЮ́ЛЬКА *ж, р. мн.* **-лек** *разг.* кастрюлька, кастрюлча.

КАСТРЮ́ЛЯ *ж* кастрюль, кастрюлька; **эмалиро́ванная ~** эмалланган (сирланган) кастрюль.

КАТ *м уст.* и *обл.* жаллод.

КАТАВА́СИЯ *ж* 1 *церк.* умумий ашула, ҳамма бараварига ашула айтиш (черковда); 2 *прост.* ғала-ғовур, тартибсизлик, ағдар-тўнтар, тўполон.

КАТАКЛИ́ЗМ *м книжн.* катаклизм (табиатда, ижтимоий ҳаётда кескин ўзгариш, ағдар-тўнтар, ҳалокат, фалокат).

КАТАКО́МБЫ *мн.* (*ед.* **катако́мба** *ж*) катакомба (ер остидаги айланма чалкаш йўллар, ғорлар).

КАТАЛА́ЖКА *ж, р. мн.* **-жек** *прост. уст.* қамоқхона, турма.

КАТАЛЕ́ПСИЯ *ж мед.* каталепсия (асабий ёки руҳий касаллик, қаттиқ ҳаяжон ёки гипноз натижасида тахта бўлиб қотиб қолиш).

КАТАЛЕ́ПТИК *м разг.* каталептик (каталепсияга йўлиққан одам).

КАТАЛЕПТИ́ЧЕСК/ИЙ, -ая, -ое *мед.* каталепсияга оид, каталептик; каталепсия...; **~ое состоя́ние** каталепсия ҳолати, каталептик ҳолат.

КАТА́ЛИЗ *м хим.* катализ (катализатор туфайли химиявий реакциянинг тезлашуви ёки секинлашуви).

КАТАЛИЗА́ТОР *м хим.* катализатор (химиявий реакцияни тезлаштирувчи ёки секинлаштирувчи модда).

КАТАЛИТИ́ЧЕСКИЙ, -ая, -ое *хим.* катализга оид, каталитик; катализ...; **~ проце́сс** каталитик процесс; катализ жараёни.

КАТА́ЛОГ *м* каталог (1 китоб, сурат, экспонат ва ш. к. нарсаларнинг маълум тартибда тузилган рўйхати; **алфави́тный ~** алфавит каталог, алфавит тартибидаги каталог; **библиоте́чный ~** кутубхона каталоги; **~ журна́лов** журналлар каталоги; **предме́тный ~** мавзулар (номлар) бўйича тузилган каталог; **~ вы́ставки** кўргазма каталоги; **~ ма́рок** маркалар каталоги; 2 бирор фанга доир термин, исм, формула ва ш. к. рўйхати; шундай рўйхатлардан тузилган китоб; **звёздный ~** юлдузлар каталоги; 3 *разг.* кутубхонанинг китоблар рўйхати сақланадиган бўлими; **рабо́тать в ~е** каталогда ишламоқ).

КАТАЛОГИЗА́ЦИЯ *ж* каталог тузиш, каталогга киритиш.

КАТАЛОГИЗИ́РОВАТЬ *сов.* и *несов. что* каталог тузмоқ, каталогга киритмоқ; **~ но́вые кни́ги** янги китобларни каталогга киритмоқ.

КАТАЛО́ЖН/ЫЙ, -ая, -ое 1 каталогга оид; каталог...; **~ая ка́рточка** каталог карточкаси; 2 *в знач. сущ.* **~ая** *ж* каталог бўлими, каталогхона, каталог.

КАТА́ЛЬ *м* 1 замбилкаш (замбилғалтакда юк ташувчи ишчи); 2 пийма босувчи ишчи, уста.

КАТАМАРА́Н *м* катамаран (умумий палуба билан бирлаштирилган икки корпусли кема).

КАТА́НИЕ *с по гл.* **ката́ть** 1—8 и **ката́ться** 3; **~ шарóв** шарларни юмалатиш; **~ на са́нках** чанада учиш (ёки учириш); **~ те́ста** хамир ёйиш; **~ вóйлока** кигиз босиш; **~ белья́** ювилган кирни ўқловлаш, ўқлов билан текислаш.

КАТА́НКА *ж тех.* катанка (ингичка чивиқ пўлат).

КАТА́НКИ *мн., р.* **-нок** *(ед.* **ка́танок** *м) обл.* пийма, кигиз этик, валенка.

КАТА́Н/ЫЙ, -ая, -ое 1 ўқлов билан текисланган, ўқловланган; **~ое бельё** ўқлов билан текисланган (ўқловланган) кир; 2 *тех.* прокатка қилинган, ёйилган; **~ые тру́бы** прокатка қилинган трубалар.

КАТА́НЬЕ *с:* **не мытьём, так ~м** *разг.* ҳар қандай йўл билан; ундай қилиб бўлса ҳам, бундай қилиб бўлса ҳам, ундай бўлмаса, бундай қилиб (айтганини қилдириш, кўндириш).

КАТАПУ́ЛЬТА *ж* 1 манжаниқ (қадимий тош отиш қуроли); 2 катапульта (самолёт ёки ракетани учириб юборадиган махсус қурилма, мослама); 3 катапульта (учувчи ёки космонавтни парашют билан тушиш учун аппарат ичидан автоматик равишда отиб юборадиган механизм).

КАТАПУЛЬТИ́РОВАТЬ *сов.* и *несов.* 1 *кого* автоматик равишда иргитиб юбормоқ; 2 *то же, что* **катапульти́роваться.**

КАТАПУЛЬТИ́РОВА/ТЬСЯ *сов.* и *несов.* катапульта воситасида иргиб чиқиб ташланмоқ; **лётчик ~лся** учувчи катапульта воситасида иргиб чиқиб парашют билан ташланди.

КАТА́Р *м* катар (шиллиқ пардаларнинг яллиғланиши); **~ дыха́тельных путе́й** нафас йўллар катари, нафас йўлларининг яллиғланиши; **~ желу́дка** ошқозон катари, ошқозон шиллиқ пардаларининг яллиғланиши.

КАТАРА́КТ *м* 1 *спец.* кенг паст шалола; 2 *тех. то же, что* **де́мпфер**; 3 *мед. уст. то же, что* **катара́кта.**

КАТАРА́КТА *ж мед.* катаракта, кўз гавҳарининг хира тортиши.

КАТАРА́ЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое катарга, шиллиқ пардаларнинг яллиғланишига оид; **~ое воспале́ние** шиллиқ пардаларнинг яллиғланиши.

www.ziyouz.com kutubxonasi

КАТАСТРОФА *ж* 1 катастрофа, ҳалокат; **автомоби́льная** ~ автомобиль ҳалокати; **воздýшная** ~ ҳаво ҳалокати; 2 катта бахтсизлик, ҳалокат, фожиа; **семе́йная** ~ оилада юз берган фожиа; **социа́льная** ~ ижтимоий фалокат, ижтимоий фожиа.

КАТАСТРОФИ́ЧЕСК/ИЙ, -ая, -ое катастрофадан иборат бўлган; ҳалокатга элтадиган; ҳалокатли; фожиали; жуда оғир; **~ий слу́чай** фожиали ҳол (ҳодиса); **~ое положе́ние** ҳалокатга олиб борадиган аҳвол, жуда оғир аҳвол.

КАТАСТРОФИ́ЧНЫЙ, -ая, -ое; -чен, -чна *то же, что* **катастрофи́ческий.**

КАТА́ТЬ *несов.* 1 (*сов.* **катну́ть**) *что* думалатмоқ, юмалатмоқ; ғилдиратмоқ, юргизмоқ; ~ **мяч** тўпни юмалатмоқ; ~ **шары́ по́ столу** шарларни стол устида юмалатмоқ (ғилдиратмоқ, юргизмоқ); ~ **вагоне́тки** вагонеткаларни юргизмоқ; 2 *кого-что* кездирмоқ, олиб юрмоқ, сайр эттирмоқ, учирмоқ (арава, машина, чана ва ш. к. да); 3 (*сов.* **скати́ть**) *прост.* кўп юрмоқ, ғир-ғир бориб келмоқ; кезмоқ; ~ **взад и вперёд** у ёқ-бу ёққа бориб келмоқ, ғир-ғир бориб келиб турмоқ; 4 (*сов.* **скати́ть**) *что* юмалоқламоқ, юмалоқлаб (ёки юмалатиб) ясамоқ; 5 *что* ёймоқ, юпқаламоқ; ~ **те́сто** хамир ёймоқ; 6 *что тех.* прокатка қилмоқ, ёймоқ ёки чўзмоқ; ~ **про́волоку** сим прокатка қилмоқ, сим ясамоқ; 7 (*сов.* **вы́катать** I, 1) *что* ўқловлаб текисламоқ, силлиқламоқ, ғижимини ёзмоқ; ~ **бельё** кирни ўқловлаб текисламоқ; 8 (*сов.* **скати́ть**) *что спец.* и *обл.* босмоқ; ~ **во́йлок** кигиз (намат) босмоқ; 9 *что прост.* хаш-паш дегунча нариданбери) ясаб ташламоқ, қотириб ташламоқ; қаторлаштириб юбормоқ; ~ **стихи́** кўп шеър ёзиб ташламоқ, кўп шеър тўқимоқ.

КАТА́ТЬСЯ *несов.* 1 думаламоқ, ғилдирамоқ, думалаб кетмоқ; юрмоқ; **мяч кати́лся по́ полу** коптоқ полда (ерда) юмалаб юрарди (борарди); ~ **от бо́ли** оғриқдан юмаламоқ; 2 у ёнбошдан бу ёнбошга ағдарилмоқ; бетоқат тўлғанмоқ; 3 кезмоқ, сайр қилмоқ, юрмоқ, учмоқ (арава, машина, чана ва ш. к. да); ~ **верхо́м** отда сайр қилмоқ; отда юрмоқ; ~ **на конька́х** конькида учмоқ; коньки отмоқ; ~ **на велосипе́де** велосипедда учмоқ; 4 *разг.* кўп юрмоқ, бориб-келиб турмоқ, қатнамоқ; кезмоқ, саёҳат қилмоқ; ~ **по стране́** мамлакатни кезмоқ; ✦ **как сыр в ма́сле** ~ *см.* **сыр; ~ со́ смеху** юмалаб-юмалаб кулмоқ, қотиб-қотиб кулмоқ.

КАТАФА́ЛК *м* катафалк (1 дафн маросимида тобут қўйиладиган арава ёки машина; 2 черковда тобут қўйиладиган супача).

КАТЕГОРИА́ЛЬНЫЙ, -ая, -ое *филос.* категорияга оид; категориал, категория...

КАТЕГОРИ́ЧЕСКИ *нареч.* қатъий равишда, қатъиян, қатъий, узил-кесил, батамом; ~ **запрети́ть** *что-л.* **де́лать** бирор иш қилишни қатъий тақиқламоқ, қатъиян ман қилмоқ; ~ **возража́ть** қатъий (қатъиян) қарши чиқмоқ.

КАТЕГОРИ́ЧЕСКИЙ, -ая, -ое қатъий, узил-кесил; ~ **отка́з** қатъий рад этиш, қатъий рад жавоб; ~ **отве́т** қатъий жавоб, узил-кесил жавоб

КАТЕГОРИ́ЧНЫЙ, -ая, -ое; -чен, -чна *то же, что* **категори́ческий.**

КАТЕГО́РИ/Я *ж* категория (1 *филос.* нарса ва ҳодисаларнинг энг умумий белги ва боғланишларини ифодаловчи тушунча; ~**я вре́мени** вақт категорияси; ~ **я причи́нности** сабабият категорияси; 2 категория, туркум; **грамма́тические** ~ **и** грамматик категориялар; 3 категория, тоифа, даража; **судья́ всесою́зной** ~**и** бутуниттифоқ тоифасидаги судья).

КА́ТЕР *м, мн.* **-а́** катер (махсус кичик кема); **букси́рный** ~ шатакчи катер; **торпе́дный** ~ торпеда катери (торпеда қўядиган, отадиган катер); **сторожево́й** ~ соқчи катер.

КАТЕРН/ЫЙ, -ая, -ое катерга оид; катер...; **~ый старши́на** катер старшинаси; **~ая при́стань** катер пристани (станцияси).

КА́ТЕТ *м мат.* катет.

КАТЕ́ТЕР *м мед.* катетер (қовуқни бўшатиш ёки унга дори юбориш учун ишлатиладиган найча).

КАТЕХИЗИ́С *м церк.* катехизис (диний ақидаларнинг савол-жавоб тарзидаги қисқача баёни).

КАТИ́ТЬ, качу́, ка́тишь *несов.* 1 *кого-что* думалатмоқ, ғилдиратмоқ, сирпантирмоқ, ғилдиратиб (ёки думалатиб, сирпантириб) бормоқ; ~ **мяч** тўпни думалатмоқ; ~ **та́чку** замбилғалтакни ғилдиратмоқ, итариб юргизмоқ; ~ **са́нки** чанани сирпантирмоқ; 2 *разг.* ғизиллаб бормоқ, тез юрмоқ; елдай учмоқ; ~ **на мотоци́кле** мотоциклда ғизилламоқ; мотоциклни ғизиллатиб ҳайдаб бормоқ (кетмоқ); 3 *что* оқизиб (ёки учириб) олиб кетмоқ; суриб (ҳайдаб) бормоқ; **ве́тер ка́тит во́лны** шамол тўлқинларни сурмоқда.

КАТИ/ТЬСЯ, качу́сь, ка́тишься *несов.* 1 думаламоқ, юмаламоқ, ғилдирамоқ; думалаб (ғилдираб) бормоқ; 2 ғилдираб (юриб) бормоқ, юрмоқ; **авто́бус ме́дленно** ~**лся по шоссе́** автобус шосседа секин борар эди; 3 сирғаниб (ёки думалаб) тушмоқ, пастга қараб кетмоқ, сирғанмоқ, думаламоқ; **с горы́** ~**лись ка́мни** тоғдан тошлар юмаларди; 4 *перен.* ғизилламоқ, тез юрмоқ, ғизиллаб (югуриб) бормоқ (келмоқ); **Со всей у́лицы ка́тятся ребяти́шки** (М. Горький) Кўчанинг ҳамма ёғидан болалар югуриб келмоқда; 5 сирғанмоқ, сирғаниб (сирпаниб) юрмоқ (бормоқ, келмоқ); **конько́й пло́хо ка́тятся** коньки яхши сирғанмаяпти; 6 томмоқ, томчиламоқ, оқмоқ; **пот ка́тится гра́дом** тер селдай оқмоқда; дув-дув тер оқмоқда; 7 эшитилмоқ, тарқалмоқ (товуш ҳақида); 8 ўтмоқ, ўтиб бормоқ, кечмоқ (вақт ҳақида); 9 ўтмоқ, оқмоқ, оқиб (ўтиб) бормоқ (булут, чанг-тўзон ва ш. к. ҳақида); 10 силжимоқ, юрмоқ, ўтмоқ; оғмоқ, ботмоқ (ой, юлдуз, қуёш ҳақида); 11 *пов.* **~сь (-тесь)** *прост.* йўқол (инг)!; жўна(нг)!; туёғинг(из)ни шиқиллат(инг)!; ✦ **~ться по накло́нной пло́скости** *см.* **накло́нный; ~ться по́д гору** *см.* **гора́.**

КАТНУ́ТЬ *сов. однокр. см.* **ката́ть** 1.

КАТО́Д *м* катод, манфий электрод; *ср.* **ано́д.**

КАТО́ДН/ЫЙ, -ая, -ое катодга оид; катод...; **~ая ла́мпа** катод лампа.

КАТО́К *м, р.* **-тка́** 1 каток, яхмалак (коньки учиш учун яхлатилган майдон); **высокого́рный** ~ баланд тоғдаги каток; 2 каток, ғалтак машина (ер текислайдиган ва тизлайдиган машина); 3 *с.-х.* ғалтакмола; 4 каток (ювилган кирни текислайдиган станок); 5 ғўла (оғир юкларнинг тагига қўйиб думалатиш учун).

КАТО́ЛИК *м* католик (католиклар мазҳабидаги киши).

КАТОЛИКО́С *м церк.* католикос (арман ва грузин черковининг бош руҳонийси).

КАТОЛИЦИ́ЗМ *м* католицизм, католиклик, католиклар мазҳаби (христиан динининг Рим папаси бошлиқ мазҳаби).

КАТОЛИ́ЧЕСК/ИЙ, -ая, -ое католицизмга ва католикларга оид; католицизм...; католиклик...; католиклар...; **~ая це́рковь** католиклар черкови.

КАТОЛИ́ЧЕСТВО *с то же, что* **католици́зм.**

КАТОЛИ́ЧКА *ж, р мн.* **-чек** католик аёл.

КАТО́РГА *ж* 1 каторга; сургун; **ца́рская** ~ чор ҳукуматининг каторгаси; **пожи́зненная** ~ умрбод каторгада бўлиш; умрбодга сургун қилиш; 2 жуда оғир меҳнат, оғир шароит; дўзах, зиндон.

КАТОРЖА́НИН *м, мн.* **-а́не** каторгачи (каторгага юборилган ёки каторгада бўлган киши).

КАТОРЖА́НКА *ж, р. мн.* **-нок** *см.* **каторжа́нин.**

КАТО́РЖНИК *м то же, что* **каторжа́нин.**

КАТО́РЖН/ЫЙ, -ая, -ое 1 каторгага оид, каторгадаги, сургундаги; каторга...; сургун...; **~ая рабо́та** каторгадаги оғир меҳнат; 2 *перен.* жуда оғир, машаққатли; **~ый труд** жуда оғир меҳнат; **~ые усло́вия** жуда оғир (машаққатли) шароит; 3 *в знач. сущ.* **~ый** *м то же, что* **ка́торжник.**

КАТУ́ШЕЧНЫЙ, -ая, -ое ғалтакка оид, ғалтакли, ғалтакка ўралган (ўраладиган); ғалтак...

КАТУ́ШК/А *ж, р. мн.* **-шек** 1 ғалтак; **~а ни́ток** бир ғалтак ип; 2 *тех.* ғалтак, катушка; **~а про́волоки** бир ғалтак сим; 3 *эл.* радио катушка; **~а сопротивле́ния** қаршилик катушкаси; ✦ **на всю** (или **на по́лную**) **~у** *прост.* куч (имкон) борича, бор куч билан.

КАТЫ́Ш *м прост.* 1 юмалоқланган нарса; шар, гувала, зувала; ~ **во́ска** юмалоқланган мум; 2 ғўла.

КАТЮ́ША *ж* катюша (стволсиз реактив миномётга Улуғ Ватан уруши даврида берилган ном).

КАУЗА́ЛЬНОСТЬ *ж филос. то же, что* **причи́нность.**

www.ziyouz.com kutubxonasi

КАУЗАЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое *филос. то же, что* **причинный**; ~**ая связь** сабабий алоқа (боғланиш).

КАУРЫЙ, -ая, -ое сариқ саман, оқ саман.

КАУСТИК *м хим.* каустик (ўювчи ишқорларнинг техникадаги номи).

КАУСТИ́ЧЕСК/ИЙ, -ая, -ое *хим.* каустик, ўювчи, ўткир; ~**ая со́да** каустик сода (ўювчи натрийнинг техникадаги номи).

КАУЧУ́К *м* каучук; **натура́льный** ~ табиий каучук; **синтети́ческий** ~ синтетик (сунъий) каучук; ~**-сыре́ц** каучук хом ашёси, хом каучук.

КАУЧУКОВО́Д *м* каучуккор (каучукли ўсимликлар экувчи ва етиштирувчи).

КАУЧУКОВО́ДСТВО *с* каучуккорлик (каучукли ўсимликлар экиш ва етиштириш).

КАУЧУ́КОВ/ЫЙ, -ая, -ое каучукка оид; каучукли; каучу́кдан қилинган; каучук...; ~**ый заво́д** каучук заводи; ~**ая подо́шва** каучук (ёки резина) тагчарм; ~**ая планта́ция** каучукли ўсимликлар плантацияси; ✦ ~**ая резолю́ция** ҳар қандай тушунса бўлаверадиган (дудмол, мужмал) резолюция.

КАУЧУКОНО́СНЫ/Й, -ая, -ое каучукли, каучук берадиган, каучук олинадиган; ~**е расте́ния** каучукли ўсимликлар.

КАУЧУКОНО́СЫ *мн. (ед.* **каучуконо́с** *м)* каучукли ўсимликлар.

КАФЕ́ *с нескл.* кафе; **молодёжное** ~ ёшлар кафеси; ~**-заку́сочная** кафе-емакхона.

КАФЕ́ДР/А *ж* 1 кафедра, минбар; **взойти́ на** ~**у** кафедрага (минбарга) чиқмоқ; **говори́ть с** ~**ы** кафедрадан (минбардан) гапирмоқ; 2 кафедра (олий ўқув юртларида); ~**а хи́мии** химия кафедраси; **заве́дующий** ~**ой** кафедра мудири; 3 *церк.* кафедра (черковда: епископ минбари); 4 кафедра (бош черков епископи мансаби).

КАФЕ́ДРАЛЬНЫЙ, -ая, -ое кафедрал; ~ **собо́р** кафедрал собор (маъмурий черков округидаги бош черков, катта бутхона).

КАФЕ́Л/Ь *м* кафель, кошин; **вы́ложить** ~**ем** кафель билан қопламоқ.

КАФЕ́ЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое кафелга оид; кафель билан қопланган, кошинкор; кафель...; кошин...; ~**ая пли́тка** кафель плитка; ~**ый пол** кафель ётқизилган пол; кошинкор пол.

КАФЕТЕ́РИЙ *м* кафетерий (кафе тури).

КАФЕШАНТА́Н *м* кафешантан (капиталистик мамлакатларда: беадаб, суюқ ашула ва рақслар ижро этиладиган очиқ саҳнали кафе ёки ресторан).

КАФЕШАНТА́ННЫЙ, -ая, -ое кафешантанга хос бўлган, кафешантанбоп, беадаб, бемаза, суюқ; ~ **репертуа́р** кафешантанбоп репертуар, бемаза репертуар.

КАФТА́Н *м* кафтан, чакмон; ✦ **три́шкин** ~ соқолдан олиб, муртга қўйгандек (бошига тортса, оёқлари очилиб қоладигандек) бир хол.

КАХЕТИ́НЕЦ *м, р.* **-нца** кахетин; *см.* **кахети́нцы.**

КАХЕТИ́НКА *ж, р. мн.* **-нок** кахетинка; *см.* **кахети́нцы.**

КАХЕТИ́НСК/ИЙ, -ая, -ое Кахетияга ва кахетинларга оид; кахетия...; кахетин(лар)...; кахетинча; ~**ий та́нец** кахетинча рақс; 2 *в знач. сущ.* ~**ое** *с* кахетин виноси.

КАХЕТИ́НЦЫ *мн. (ед.* **кахети́нец** *м,* **кахети́нка** *ж)* кахетинлар, кахетиялик грузинлар.

КАЦАВЕ́ЙКА *ж, р. мн.* **-е́ек** аёлларнинг мўйна тутилган олди очиқ калта камзули, кофтаси.

КАЧА́ЛКА *ж, р. мн.* **-лок** 1 тебранма курси; 2 *уст.* качалка (беморлар учун махсус носилка); 3 *спорт.* качалка (икки ғилдиракли пойга арава); 4 беланчак, бешик.

КАЧА́НИЕ *с по гл.* **кача́ть** и **кача́ться**; ~ **воды́ наcóсом** насос билан сув чиқариш (тортиш); ~ **на каче́лях** арғимчоқ учиш; арғимчоқ учириш; ~ **ма́ятника** маятникнинг тебраниши.

КАЧА́ТЬ *несов. (сов.* **качну́ть**) 1 *кого-что* тебратмоқ, тебрантирмоқ; чайқатмоқ, силкитмоқ; ~ **колыбе́ль** беланчакни (бешикни) тебратмоқ; ~ **ребёнка** болани тебратмоқ (тебратиб аллаламоқ); **во́лны кача́ют ло́дку** тўлқин қайиқни чайқатмоқда; **ве́тер кача́ет дере́вья** шамол дарахтларни силкитмоқда; 2 *безл.* тўлқинланмоқ, чайқалмоқ; **су́дно си́льно кача́ло** кема қаттиқ чайқалмоқда эди; 3 *безл.* гандиракламоқ, каловламоқ; **его́ кача́ет от уста́лости** у чарчагандан гандираклаётир; 4 *чем* чайқамоқ, қимирлатмоқ, силкитмоқ, ликиллатмоқ; ~ **голово́й** боши(ни) чайқамоқ; сарак-сарак қилмоқ; ~ **ного́й** оёғини ликиллатмоқ; 5 *кого* қўлларда кўтариб олқишламоқ, отмоқ, ирғитмоқ; ~ **чемпио́на** чемпионни кўтариб олқишламоқ (олқишлаб ирғитмоқ); 6 *что* босмоқ, дам бермоқ, насос билан босиб чиқармоқ (тортмоқ); ~ **нефть** нефть чиқармоқ; ~ **грунто́вые во́ды** ер ости сувларини насос билан тортмоқ (тортиб чиқармоқ).

КАЧА́/ТЬСЯ *несов. (сов.* **качну́ться**) 1 силкинмоқ; тебранмоқ, чайқалмоқ; ~**ться на каче́лях** арғимчоқда тебранмоқ, арғимчоқ учмоқ; **ка́тер** ~**ется на во́лнах** катер тўлқинда чайқалмоқда (чайқалиб турибди); 2 қимирлаб турмоқ, ликилламоқ, ликилламоқ; каловламоқ; гандиракламоқ; **зуб** ~**ется** тиш қимирлаб (ликиллаб) турибди; ~**ться от уста́лости** чарчашдан гандираклаб юрмоқ, чарчаб каловлаб қолмоқ.

КАЧЕ́ЛИ *мн.* арғимчоқ, ҳайинчак.

КАЧЕ́СТВЕННЫЙ, -ая, -ое 1 *филос.* сифатий, сифат...; ~**ые измене́ния** сифатий ўзгаришлар, сифат ўзгаришлари; 2 сифатли, яхши; ~**ый това́р** сифатли товар, яхши мол; ~**ая проду́кция** сифатли маҳсулот; ~**ые ста́ли** сифатли пўлатлар; ✦ ~**ый ана́лиз** *хим. см.* **ана́лиз**; ~**ое прилага́тельное** *грам.* аслий сифатлар.

КАЧЕ́СТВ/О *с* 1 *филос.* сифат; **перехо́д коли́чества в** ~**о** миқдорнинг сифатга айланиши; 2 сифат; **изде́лия высо́кого** ~**а** юқори сифатли маҳсулотлар; тоза (асл) моллар; **проду́кты ни́зкого** ~**а** паст сифатли (паст навли, сифати паст) озиқ-овқат; 3 фазилат, хислат; **деловы́е** ~**а руководи́теля** раҳбарнинг ишчанлик фазилатлари (ишчанлиги); **мора́льные** ~**а сове́тского челове́ка** совет кишисининг маънавий фазилатлари; 4 *шахм.* рух билан от ёки фил кучи ўртасидаги нисбат; **потеря́ть** ~**о** рухни ютқазиб от ёки фил олмоқ; **поже́ртвовать** ~**ом** от ёки фил олиб, рухни қурбон қилмоқ; ✦ **в** ~**е** *кого-чего* сифатида, вазифасида, ўрнида; **в** ~**е учи́теля** ўқитувчи сифатида, ўқитувчи бўлиб; **в** ~**е заме́ны** ўрин алмашиш тарзида, ўрнига ўрин.

КАЧКА *ж* чайқалиш, силкиниш (кема, автобус, самолёт ва ш. к. ҳақида); **морска́я** ~ денгиз тўлқинларида кеманинг чайқалиши.

КАЧКИЙ, -ая, -ое *прост.* қимирлаб (ликиллаб ёки чайқалиб) турадиган; ликилдоқ; лиқилдоқ; ~ **стул** лиқилдоқ (ёки ликилдоқ) стул.

КАЧНУ́/ТЬ *сов. однокр. см.* **кача́ть**; **ве́тер** ~**л де́рево** шамол дарахтни тебрантириб юборди; **самолёт си́льно** ~**ло** самолёт қаттиқ силкиниб кетди.

КАЧНУ́/ТЬСЯ *сов. однокр. см.* **кача́ться**; **ло́дка чуть** ~**лась** қайиқ бир оз силкиниб қўйди.

КАШ/А *ж* 1 каша; бўтқа; **ма́нная** ~**а** манний каша; **ри́совая моло́чная** ~**а** ширгуруч; ~**и ма́слом не испо́ртишь** *погов.* яна яхши бўлади, нур устига нур, нур аъло нур; 2 *перен.* атала, бўтқа, балчиқ; **бето́нная** ~**а** бетон аталаси (қоришмаси); **сне́жная** ~**а** қор бўтқаси (лойга аралашган қор); 3 *перен.* аралаш-қуралаш нарса, мошкичири; ✦ ~**а в голове́** *у кого* фикри чалкашиб кетган, боши (мияси) ғовлаган; **заварѝть** ~**у** ишни чалкаштириб юбормоқ, дардисар (ташвиш) орттирмоқ; **заварѝлась** ~**а** иш чалкашиб кетди, чалкашлик юз берди; **расхлёбывать** ~**у** чалкаш (мушкул) бир ишни ҳал қилмоқ; **берёзовая** ~**а** *см.* **берёзовый**; **ма́ло** ~**и ел** ҳали ёш, тажрибасиз, ёшлик қилади; ёшлик қиласан; ~**и про́сят** йиртилиб (дабдаласи чиқиб) кетибди (йиртиқ пойабзал ҳақида); ~**а во рту́** ямланиб гапиради, гапини тушуниб бўлмайди; ~**и не сва́ришь** *с кем разг.* унга гап уқтириб бўлмайди, у билан бир иш қилиб бўлмайди; **с** ~**ей съем** *разг.* икки ямлаб бир ютамда ютиб юбораман.

КАШАЛО́Т *м* кашалот (тиши ўткир йиртқич кит).

КАШЕВА́Р *м* ошпаз (ҳарбий қисмда, артелда).

КАШЕВА́РИТЬ *несов. прост.* ошпазлик қилмоқ.

КАШЕ́ЛЬ *м, р.* **-шля** йўтал; **сухо́й** ~ қуруқ йўтал.

КАШЕМИ́Р *м* кашмири (юнг газлама).

КАШЕМИ́РОВЫЙ, -ая, -ое кашмирдан қилинган; кашмири; ~ **шарф** кашмири шарф.

www.ziyouz.com kutubxonasi

КАШЕОБРА́ЗНЫЙ, -ая, -ое бўтқасимон, кашага ўхшаган.

КАШИ́ЦА *ж* 1 *ласк. от* **ка́ша** 1; 2 суюқ каша; суюқ бўтқа; 3 *то же, что* **ка́ша** 2.

КА́ШКА *ж, р. мн.* **-шек** 1 *ласк. от* **ка́ша**; 2 *прост.* йўнғичқа, беда.

КА́ШЛЯНУТЬ *сов. однокр. см.* **ка́шлять**.

КА́ШЛЯТЬ *несов.* (*сов.* **ка́шлянуть**) 1 йўталмоқ; 2 томоқ қоқмоқ, томоқ қириб қўймоқ.

КА́ШНЕ *с нескл.* кашне, шарф.

КАШПО́ *с нескл.* гултувак солиб қўйиладиган безакли ваза.

КАШТА́Н *м* 1 каштан (қорақайинлар оиласига мансуб дарахт ва унинг ёнғоғи); **засáхаренные ~ы** шакарга босилган каштан ёнғоғи; ✦ **таскáть ~ы из огня́** *для кого* биров учун ўзини ўтга урмоқ, ўлиб-қутулиб (жон куйдириб) ҳаракат қилмоқ.

КАШТА́НОВ/ЫЙ, -ая, -ое 1 каштанга оид; каштан...; **~ая алле́я** каштанзор хиёбон; 2 каштан ранг, оч жигар ранг; қизғиш; қўнғир; **~ые во́лосы** қизғиш-қўнғир соч; ✦ **~ые по́чвы** *спец.* каштан тупроқ (қуруқ чўл ўсимликлари таъсирида юзага келган тупроқ типи).

КАЮ́К I *м* 1 *обл.* қайиқ; 2 *уст.* Сибирь дарёларида юк кемаси.

КАЮ́К II *в знач. сказ. прост.* ажали етди, куни битди, тамом бўлди; ўлди; **тепе́рь ему́ ~** у энди тамом бўлди, унинг ажали етди.

КАЮ́Р *м* каюр (ит ёки буғу қўшилган чана ҳайдовчиси).

КАЮ́Т/А *ж* каюта (кемада: айрим хона, бўлма); **капита́нская ~а** капитан каютаси; **пассажи́рские ~ы** пассажирлар учун белгиланган бўлмалар, каюталар.

КАЮ́Т-КОМПА́НИЯ *ж* кают-компания (оддий кемада пассажирлар учун, ҳарбий кемада офицерлар учун умумий хона).

КАЮ́ТНЫЙ, -ая, -ое каютага оид; каютадаги; каюта...

КАЯ́К *м, р.* **-а́** каяк (Шимолда усти берк тери қайиқ).

КАЯ́ТЬСЯ *несов.* 1 *в чём и без доп.* ўкинмоқ, пушаймон қилмоқ, афсусланмоқ, ачинмоқ; **сле́дует предвари́тельно всё обду́мать, что́бы пото́м не ~** кейин афсусланмаслик учун аввал ҳамма нарсани ўйлаб олиш керак; 2 *кому или перед кем* узр сўрамоқ, кечирим сўрамоқ; **ка́юсь, винова́т перед ва́ми** кечирасиз, сизнинг олдингизда гуноҳкорман; 3 *церк.* тавба қилмоқ, тавба қилиб худога сиғинмоқ; 4 *в знач. вводн. сл.* **ка́юсь** афсусланиб айтаманки, афсуски, афсус, эсиз; **ка́юсь, я об э́том забы́л** афсус(ки), мен буни унутибман (унутган эканман).

КВАДРА́НТ *м* квадрант (1 *мат.* доиранинг тўртдан бир бўлаги; 2 *астр.* осмон жисмлари баландлигини ўлчайдиган қадимий асбоб; 3 *воен.* артиллерияда бурчак ўлчаш асбоби; 4 қуёш соати ёки компаснинг юзи; 5 Ер меридианининг тўртдан бирига, яъни 10 минг километрга тенг узунлик ўлчов бирлиги; 6 *текст.* калава ипнинг оғирлигига қараб номерини кўрсатадиган тарози).

КВАДРА́Т *м* 1 *мат.* квадрат (томонлари тенг тўғри тўртбурчак); 2 тўртбурчак (чорси) ер, майдон ёки нарса; **взлётный ~ для вертолётов** вертолётлар парвоз қиладиган квадрат жой (майдон); 3 *мат.* квадрат, иккинчи даража (бирор соннинг ўз-ўзига кўпайтмаси); **два в ~е равня́ется четыре́м** иккининг квадрати тўрт бўлади (тўртга тенг); **возвести́ в ~** иккинчи даражага (квадратга) кўтармоқ; 4 *полигр.* квадрат (48 пунктга, яъни 8 мм га тенг ўлчов бирлиги); ✦ **в ~е** *разг.* икки баравар, ўн чандон.

КВАДРА́ТНО-ГНЕЗДОВО́Й, -а́я, -о́е: ~ посе́в квадрат-уялаб экиш.

КВАДРА́ТН/ЫЙ, -ая, -ое 1 квадрат шаклидаги, квадрат, чорси; тўртбурчак, чорбурчак; **~ый стол** тўртбурчак стол; **~ая фигу́ра** *перен.* чорпаҳил одам; 2 *мат.* квадрат, иккинчи даражали; **ко́рень ~ый** квадрат илдиз; **~ое уравне́ние** иккинчи даражали тенглама; ✦ **~ые ме́ры** квадратлар билан ифодаланган сатҳ ўлчовлари; **~ый метр** квадрат метр; **~ые ско́бки** квадрат қавс, ўрта қавс.

КВАДРАТУ́РА *ж* квадратура (1 сатҳнинг квадратлар билан ифодаланган катталиги, ўлчами; **~ жилы́х помеще́ний** тураржой биноларининг квадратураси; 2 *мат.* эгри чизиқлар билан чегараланган юзани квадратларга бўлиб ўлчаш; 3 *астр.* Ер, Қуёш ва Ойнинг тўғри бурчакли учбурчак ҳосил қилиб турган ҳолати); ✦ **~ кру́га** 1) *мат.* доира квадратураси (берилган доирани тенг квадратга айлантириш — ечиб бўлмайдиган масала); 2) *перен.* ечиб (ҳал қилиб) бўлмайдиган ҳар қандай масала, чалкаш иш, муаммо.

КВАЗА́Р *м астр.* квазар (коинотнинг узоқ жойидаги кучли радионурланиш манбаи).

КВА́КАНЬЕ *с* қуриллаш, ғақирлаш, вақ-вақ қилиш; вақ-вақ; **~ ля́гушек** бақаларнинг қуриллаши.

КВА́КАТЬ *несов.* (*сов.* **ква́кнуть**) қурилламоқ, ғақирламоқ, вақ-вақ қилмоқ (бақа ҳақида).

КВА́КЕР *м* квакер (христиан динининг Англия ва Америкада тарқалган бир мазҳабига мансуб киши).

КВАКЕ́РСКИЙ, -ая, -ое квакерларга оид; квакер(лар)...

КВА́КЕРСТВО *с* квакерлик, квакерлар мазҳаби.

КВА́КЕРША *ж см.* **ква́кер**.

КВА́КНУТЬ *сов. однокр. см.* **ква́кать**.

КВАКУ́ШКА *ж, р. мн.* **-шек** *разг.* бақа, бақажон.

КВА́КША *ж* дарахт бақаси.

КВАЛИФИКАЦИО́НН/ЫЙ, -ая, -ое квалификацияловчи, квалификациясини белгиловчи, квалификацион; квалификация...; **~ая коми́ссия** квалификацион комиссия, квалификация комиссияси.

КВАЛИФИКА́ЦИ/Я *ж* 1 *по гл.* **квалифици́ровать**; 2 квалификация, малака, маҳорат; **специали́ст высо́кой ~и** юқори малакали мутахассис; **~я сле́саря** слесарлик касби; 3 ихтисос, касб, ҳунар; **приобрести́ но́вую ~ю** янги касбни эгалламоқ.

КВАЛИФИЦИ́РОВАННЫЙ, -ая, -ое 1 *прич. от* **квалифици́ровать**; 2 *в знач. прил.* ихтисосли, малакали, маҳоратли; юқори малака талаб қиладиган; **~ рабо́чий** ихтисосли ишчи; малакали ишчи; **~ труд** юқори малака талаб этадиган меҳнат.

КВАЛИФИЦИ́РОВАТЬ *сов.* и *несов.* 1 *кого-что книжн.* квалификацияламоқ, баҳоламоқ, баҳо бермоқ; даражасини белгиламоқ; **~ преступле́ние** жиноятни квалификацияламоқ, жиноят даражасини белгиламоқ; **~ поведе́ние** ахлоқини (юриш-туришини) баҳоламоқ; 2 *кого* мутахассислик (тайёргарлик, маҳорат) даражасини белгиламоқ, ихтисосини аниқламоқ; квалификацияламоқ, разряд бермоқ; **~ то́карем тре́тьего разря́да** учинчи разрядли токарь деб квалификацияламоқ, учинчи разряд бермоқ.

КВАЛИФИЦИ́РОВАТЬСЯ 1 *сов.* и *несов.* ихтисослашмоқ, мутахассислашмоқ, малака ҳосил қилмоқ; касб олмоқ (орттирмоқ); **~ в биатло́не** биатлон бўйича мутахассислашмоқ; 2 *несов. страд. от* **квалифици́ровать**.

КВА́НТ *м физ.* квант (чиқарилиши ёки ютилиши мумкин бўлган энг оз, бўлинмас энергия миқдори); **~ светово́й эне́ргии** нур энергиясининг кванти.

КВА́НТОВ/ЫЙ, -ая, -ое *физ.* квантга оид; квант...; **~ая меха́ника** квант механикаси (элементар зарралар ҳаракати ва уларнинг ўзаро таъсири ҳақидаги назария); **~ая тео́рия** квант назарияси.

КВА́РТА *ж* кварта (1 суюқ ва сочилувчи жисмлар ҳажмини ўлчаш бирлиги; 2 *муз.* диатоник гаммининг тўртинчи пардаси, шунингдек биринчи ва тўртинчи пардалар оралиғи).

КВАРТА́Л *м* квартал (1 йилнинг тўртдан бир қисми; уч ой; **план пе́рвого ~а** биринчи квартал плани; **отчёт за ~** квартал ҳисоботи; 2 шаҳарнинг кесишувчи кўчалар билан чегараланган бир бўлаги; **жилы́е ~ы** тураржой кварталлари; 3 *разг. ист.* 19-асрда шаҳар полицияси участкаси; 4 *спец.* ўрмон ва катта боғларнинг йўлкалар билан ўралган бир бўлаги; **лесны́е ~ы** ўрмон кварталлари).

КВАРТА́ЛЬНЫЙ, -ая, -ое 1 кварталга оид; уч ойлик; квартал...; **~ план** квартал плани; уч ойлик план; 2 шаҳар кварталига оид, квартал...; **~ уча́сток** квартал участкаси; 3 *в знач. сущ.* **~ый** *м разг. уст.* квартал назоратчиси, полиция участкаси назоратчиси.

КВАРТЕ́Т *м* квартет (1 тўрт овоз ёки тўрт соз учун ёзилган музика асари; 2 тўрт ижрочидан иборат ансамбль;

www.ziyouz.com kutubxonasi

вока́льный ~ вокал квартет; **~ скрипачёй** скрипкачилар квартети).

КВАРТЕ́ТН/ЫЙ, -ая, -ое квартетга оид; квартет учун белгиланган; квартет...; **~ая му́зыка** квартет учун белгиланган музика.

КВАРТИ́Р/А *ж* 1 квартира (катта уйларнинг бир оила учун мўлжалланган бир ёки бир неча хонали бўлаги); **двухко́мнатная ~а** икки хонали квартира; **коммуна́льная ~а** коммунал квартира, **кооперати́вная ~а** кооператив квартира; 2 уй, хона, квартира, тураржой; **нанима́ть ~у** ижарага квартира (уй) олмоқ; **сдава́ть ~у** квартирани (уйни) ижарага бермоқ; 3 *мн.* **~ы** *воен.* қароргоҳ (аскарлар ўрнашган казарма ва уйлар); **зи́мние ~ы** қишки қароргоҳ(лар); ✦ **гла́вная ~а** *уст.* бош қўмондон қароргоҳи (штаби).

КВАРТИРА́НТ *м* квартирант, квартирада турувчи, ижара ўтирувчи.

КВАРТИРА́НТКА *ж, р. мн.* **-ток** *см.* **квартира́нт.**

КВАРТИ́РКА *ж, р. мн.* **-рок** *уменьш. от* **кварти́ра** квартирача, кичкина квартира.

КВАРТИРМЕЙСТЕ́Р *м* квартирмейстер (1 ҳарбий қисмни қароргоҳларга жойлаштириш ва таъминот ишлари билан шуғулланувчи офицер; 2 революциядан бурунги рус флотида елкан ишлари мутахассиси).

КВАРТИ́РН/ЫЙ, -ая, -ое 1 квартирага (тураржойга) оид; квартира...; **~ая пла́та** квартира ҳақи (пули); ижара ҳақи; **~ая хозя́йка** квартира бекаси; 2 қўшинни жойлаштириш ва таъминлаш боғлиқ бўлган; **~ая часть** қўшинни жойлаштириш ва таъминлаш билан шуғулланувчи қисм; 3 *в знач. сущ.* **~ые** *мн.* квартира пули (командировкадагиларга квартира учун бериладиган пул); ✦ **~ое расположе́ние войск** аскарларнинг казармаларда, уйларда жойлашуви.

КВАРТИРОВА́/ТЬ, -ру́ю, -ру́ешь *несов.* 1 *разг.* квартирада яшамоқ, ижарага ўтирмоқ; 2 *воен.* жойлашмоқ, ўрнашмоқ; қўнмоқ, қўр ташламоқ; **полк ~л в доли́не** полк водийга жойлашган эди.

КВАРТИРОНАНИМА́ТЕЛЬ *м то же, что* **квартиросъёмщик.**

КВАРТИРОСЪЁМЩИК *м* квартирани ижарага олган (ижара ўтирувчи) шахс.

КВАРТИ́РЬЕР *м* квартирьер (сафардаги харбий қисмларга уй-жой, қароргоҳ топиш учун олдиндан юборилган ҳарбий хизматчи).

КВАРТПЛА́ТА *ж* (кварти́рная пла́та) квартира ҳақи, ижара пули.

КВА́РЦ *м* 1 кварц, чақмоқтош; **ды́мчатый ~** кул ранг чақмоқтош; 2 *разг. то же, что* **ква́рцевая ла́мпа;** *см.* **ква́рцевый; сеа́нсы ~а** кварц лампа сеанслари.

КВА́РЦЕВ/ЫЙ, -ая, -ое кварцга оид, кварцли; кварц...; **~ые поро́ды** кварц жинслар; ✦ **~ая ла́мпа** кварц лампа (даволаш учун қўлланадиган ультрабинафша нурли махсус лампа).

КВАС *м* квас; ✦ **перебива́ться с хле́ба на ~** учма-уч етказиб яшамоқ; қўл учида кун кўрмоқ.

КВАСИ́ТЬ, ква́шу, ква́сишь *несов. что* тузламоқ; ачитмоқ; ивитмоқ; кўптирмоқ, оширмоқ; **~ капу́сту** карам тузламоқ, карамни ачитмоқ; **~ молоко́** қатиқ ивитмоқ; **~ те́сто** хамир кўптирмоқ; хамирни оширмоқ.

КВАСИ́ТЬСЯ, -ится *несов.* 1 тузланмоқ, ачимоқ; 2 ивимоқ (қатиқ ҳақида); 3 *страд. от* **ква́сить.**

КВА́СН/ОЙ, -а́я, -о́е квасга оид; квасдан қилинган; квасли; квас...; **~а́я бо́чка** квас бочкаси; ✦ **~о́й патриоти́зм** кўр-кўрона ватанпарварлик, эскиликларга ёпишиб олиш; ўз халқига тегишли ҳамма нарсани кўр-кўрона мақтаб, бошқаларникини ерга уриш.

КВАС/О́К *м, р.* **-ска́** и **-ску́** *разг.* 1 *ласк. от* **квас; напи́ться ~ку́** тўйиб квас ичмоқ, квасга тўймоқ; 2 нордон маза, қимизак; **я́блоко с ~ко́м** қимизак (нордонгина) олма.

КВАСЦО́ВЫЙ, -ая, -ое аччиқтошга оид; аччиқтошли; аччиқтош...; **~ раство́р** аччиқтош эритмаси.

КВАСЦЫ *мн.* аччиқтош.

КВАШЕ́НИЕ *с по гл.* **ква́сить; ~ капу́сты** карам тузлаш; **~ молока́** қатиқ ивитиш.

КВАШЕ́Н/ЫЙ, -ая, -ое тузланган, ачитилган; оширилган, кўптирилган; ивитилган; **~ая капу́ста** тузланган карам; **~ое молоко́** қатиқ.

КВАШН/Я *ж* 1 хамиртоғора; **гли́няная ~я́** сопол хамиртоғора; 2 *разг.* ошган (кўпчиган) хамир; **замеси́ть ~ю** ошган хамирни қориштирмоқ; 3 *перен. прост. пренебр.* ланж одам, лаванд, латта.

КВЁЛЫЙ, -ая, -ое *прост.* нимжон, заиф, бедармон.

КВЕ́РХУ *нареч.* юқорига, баландга, осмонга; **подня́ть глаза́ ~** юқорига (тепага) қарамоқ; **подпры́гнуть ~** юқорига сакрамоқ; **взлете́ть ~** осмонга учмоқ (кўтарилмоқ, учиб кетмоқ).

КВИЕТИ́ЗМ *м* квиетизм (1 ҳамма нарсани худодан деб билишга, тақдирга тан беришга даъват этувчи реакцион таълимот; 2 *книжн.* дунёвий ишлардан воз кечиш, лоқайдлик, таркидунёчилик).

КВИЕТИ́СТ *м* 1 квиетист, квиетизм тарафдори; 2 *книжн.* дунёвий ишлардан воз кечган одам, лоқайд одам, таркидунёчи.

КВИ́НТ/А *ж муз.* квинта (1 диатоник гамманинг бешинчи парда ораси; 2 скрипканинг энг ингичка тори; 3 *спорт.* қиличбозликда: ҳамла қилиш ва ҳамлани қайтариш усулларидан бири; 4 лото ўйинида: бир қатордаги беш хонанинг тўлиши); ✦ **пове́сить нос на ~у** маъюс (ғамгин, хафа) бўлиб қолмоқ, қовоғи осилмоқ.

КВИ́НТЕТ *м* квинтет (1 беш овоз ёки беш соз учун ёзилган музика асари; 2 беш ижрочидан иборат ансамбль).

КВИНТЭССЕ́НЦИЯ *ж книжн.* квинтэссенция, энг муҳим жой, асосий моҳият, мағиз; **~ учéния** таълимотнинг моҳияти (мағзи); таълимотнинг квинтэссенцияси.

КВИТ и **КВИТ/Ы** *в знач. сказ. разг.* ора очиқ; **мы с ним ~ы** у билан орамиз очиқ; у билан ора очиқ бўлдик.

КВИТАНЦИО́НН/ЫЙ, -ая, -ое квитанцияга оид; квитанция...; **~ая кни́жка** квитанция дафтари (дафтарчаси).

КВИТА́НЦИ/Я *ж* квитанция; **почто́вая ~я** почта квитанцияси; **бага́жная ~я** багаж квитанцияси; **вы́дать** (или **вы́писать**) **~ю** квитанция (ёзиб) бермоқ; **получи́ть ~ю** квитанция олмоқ.

КВИТО́К *м, р.* **-тка́** *прост.* квитанция, тилхат.

КВО́РУМ *м* кворум (мажлис, кенгаш ва ш. к. нинг қарорлари қонуний бўлиши учун иштирокчиларнинг устав бўйича етарли ҳисобланадиган миқдори); **собра́ть ~** кворум йиғмоқ (тўпламоқ); **~а нет** кворум йўқ; кворум етишмайди.

КВО́ТА *ж эк.* 1 квота, норма; **и́мпортная ~** импорт квотаси (нормаси); **нало́говая ~** солиқ солинадиган нарса донасига (ёки бирлигига) тўғри келадиган солиқ миқдори; 2 квота, ҳисса, улуш.

КВОХТА́НЬЕ *с по гл.* **квохта́ть.**

КВОХТА́ТЬ, кво́хчет *несов.* қақағламоқ; **в сара́е кво́хчут ку́ры** саройда товуқлар қақағламоқда.

КЕ́Б *м* кеб (Англияда: бир отли извош).

КЕГЕЛЬБА́Н *м* кегельбан (кегли ўйини ўйналадиган жой).

КЕ́ГЕЛЬНЫЙ, -ая, -ое кегли ўйинига оид; кегли...; **~ шар** кегли шари.

КЕ́ГЛИ *мн. (ед.* **ке́гля** *ж)* кегли (1 маълум тартибда тикилган фигураларни шар юмалатиб уриб йиқитиш ўйини; **игра́ть в ~** кегли ўйнамоқ; 2 шундай ўйиннинг фигуралари; **расставля́ть ~** кегли фигураларини тикмоқ).

КЕГЛ/Ь *м полигр.* кегль (босмахона ҳарфларининг катта-кичиклик ўлчами); **ме́лкий ~ь** майда кегль; **набра́ть кни́гу восьмы́м ~ем** китобни саккизинчи кегль билан термоқ.

КЕДР *м* кедр (игнабаргли доим яшил йирик дарахт).

КЕДРА́Ч *м, р.* **-а́** *обл. то же, что* **кедро́вник** 2.

КЕДРО́ВКА *ж, р. мн.* **-вок** кедровка, қарағай қарға.

КЕДРО́ВНИК *м* 1 қарағайлар оиласига мансуб буга ёки майда дарахт; 2 кедр ўрмони.

КЕДРО́ВЫ/Й, -ая, -ое кедрга оид; кедр...; **~й лес** кедр ўрмони; **~е оре́хи** кедр ёнғоғи.

КЕЙФ *м* кайф, кайф-сафо, ялло; **предава́ться ~у** кайф қилмоқ, кайф-сафога берилмоқ, ялло қилиб юрмоқ.

КЕЙФОВА́ТЬ, -фу́ю, -фу́ешь *несов.* кайф қилмоқ, кайф-сафога берилмоқ.

www.ziyouz.com kutubxonasi

КЕКС *м кулин.* кекс.

КЕ́ЛАРЬ *м* келарь, монастирь мутасаддиси.

КЕЛЕ́ЙНИК *м* 1 монастирь бошлиғининг хизматкори; 2 танҳо (одамларга қўшилмай) яшовчи киши, гўшанишин.

КЕЛЕ́ЙНИЦА *ж см.* **келе́йник.**

КЕЛЕ́ЙНО *нареч.* яширинча, енг ичида, махфий суратда, бошқаларга билдирмасдан, зимдан, бекитиб; **реши́ть вопро́с** ~ масалани бошқаларга билдирмай ҳал қилмоқ (тор доирада ечмоқ).

КЕЛЕ́ЙН/ЫЙ, -ая, -ое 1 монастирнинг якка ҳужрасига оид; **~ая жизнь** ҳужрада ўтадиган ҳаёт, ҳужрада яшаш; 2 *перен.* яширин, махфий, бекитиқча; **~ое реше́ние** махфий қарор, бекитиқча (тор доирада) қабул қилинган қарор.

КЕ́ЛЬНЕР *м* кельнер (Германияда ва баъзи бошқа мамлакатларда ресторан хизматчиси).

КЕ́ЛЬНЕРША *ж разг. см.* **ке́льнер.**

КЕ́ЛЬТ *м* кельт; *см.* **ке́льты.**

КЕЛЬТСКИЙ, -ая, -ое кельтларга оид; кельт(лар)...; **~ э́пос** кельт эпоси.

КЕ́ЛЬТЫ *мн.* (*ед.* **кельт** *м*) кельтлар (Ғарбий Европада яшаган қабилалар).

КЕ́ЛЬЯ *ж, р. мн.* **-лий** 1 ҳужра; **монасты́рская ~** монастирь ҳужраси; 2 *перен. уст.* фақирона уй; кулба; **~ холостяка́** бўйдоқнинг кулбаси.

кем *см.* **кто.**

КЕ́МПИНГ *м* кемпинг (автотуристлар учун меҳмонхонали лагерь); **останови́ться в ~е** кемпингда тўхтамоқ.

КЕНАФ *м* каноп (толали бир йиллик ўсимлик).

КЕНГУРО́ВЫЙ, -ая, -ое кенгуруга оид; кенгуру...; **~ мех** кенгуру териси (мўйнаси); **~ пито́мник** кенгуру питомниги.

КЕНГУРУ́ *м нескл.* кенгуру (думи ва орқа оёқлари узун, қопчиқли сутэмизувчи ҳайвон).

КЕ́НДЫРЬ *м, р.* **-ря́** кендирь (толали кўп йиллик ўтсимон ўсимлик).

КЕНИЕ́Ц *м, р.* **-и́йца** кениялик; *см.* **кенийцы.**

КЕНИ́ЙКА *ж, р. мн.* **-и́ек** *см.* **кенийцы.**

КЕНИ́ЙСКИЙ, -ая, -ое Кенияга ва кенияликларга оид; Кения...; кениялик(лар)...; **~ наро́д** кения халқи, кенияликлар.

КЕНИ́ЙЦЫ *мн.* (*ед.* **кенией́ц** *м,* **кенийка** *ж*) кенияликлар, кения халқи.

КЕНОТРО́Н *м* кенотрон (икки электродли радиолампа).

КЕНТА́ВР *м* кентавр (юнон афсоналарида: ярми одам, ярми от махлуқ).

КЕ́ПИ *с нескл.* кепи (1 19-асрда рус ва француз армиясида расм бўлган формали бош кийим; 2 козирёкли юмшоқ бош кийим).

КЕ́ПКА *ж, р. мн.* **-пок** *то же, что* **ке́пи** 2.

КЕ́ПОЧН/ЫЙ, -ая, -ое кепкага оид; кепкабоп; кепка...; **~ая мастерска́я** кепка тикадиган устахона.

КЕРА́МИКА *ж* 1 керамика, кулолчилик; 2 *собир.* керамика, кулолчилик буюмлари; сопол буюмлар; **узбе́кская ~** ўзбек керамикаси (ўзбек кулолчилик буюмлари); 3 *спец.* керамика (кулолчилик) гили, лойи.

КЕРА́МИКОВЫЙ, -ая, -ое *то же, что* **керами́ческий; ~ заво́д** керамика заводи.

КЕРАМИ́ЧЕСК/ИЙ, -ая, -ое керамикага, кулолчиликка оид; керамика (кулолчилик буюмлари) ишлаб чиқарадиган; керамик; кулолчилик...; сопол; **~ий цех** керамика цехи; кулолчилик цехи; **~ая пли́тка** керамик плитка, сопол плитка.

КЕРАТИ́Н *м биол.* кератин (соч, пат ва шоҳда бўладиган, олтингугурт моддасига бой оқсил модда).

КЕРАТИ́Т *м мед.* кератит (кўз мугуз пардасининг яллиғланиши).

КЕРЕ́НКА *ж, р. мн.* **-нок** *прост.* керенка (Керенскийнинг вақтли ҳукумати даврида чиқарилган қоғоз пул).

КЕРЖА́К *м, р.* **-а́** *обл. уст. то же, что* **старообря́дец.**

КЕРЖА́ЧКА *ж, р. мн.* **-чек** *обл. уст. см.* **кержа́к.**

КЕРН *м* керн (скважинадан олинган тупроқ ёки жинс намунаси).

КЕРНЕР *м* кернер (буюмларга нуқта-нуқта белги урадиган слесарлик асбоби ва унинг билан урилган белги).

КЕРОГА́З *м* керогаз (керосин буғи билан ишлайдиган примуссимон асбоб).

КЕРОСИ́Н *м* керосин; лампамой *(эск.).*

КЕРОСИ́НК/А *ж, р. мн.* **-нок** керосинка (пиликли примуссимон асбоб); **гото́вить обе́д на ~е** керосинкада овқат пиширмоқ (обед тайёрламоқ).

КЕРОСИ́НН/ЫЙ, -ая, -ое *разг.* керосинга оид; керосин...; **~ое пятно́** керосин доғи.

КЕРОСИ́НОВ/ЫЙ, -ая, -ое 1 керосинга оид; керосин...; **~ый за́пах** керосин ҳиди; 2 керосин учун белгиланган; керосин турадиган; керосин...; **~ый бидо́н** керосин бидони; 3 керосин билан ишлайдиган; керосин...; **~ая ла́мпа** керосин лампа; **~ый дви́гатель** керосин двигатель.

КЕСАРЕВ: ~о сече́ние *мед.* туғиш қийин ва хавфли бўлган ҳолларда она қорнини ёриб болани олиш.

КЕСА́РЬ *м* 1 кесарь, қайсар (кадимги Рим императорларининг унвони); 2 *уст.* ҳоким, подшо.

КЕССО́Н *м* кессон (1 сув ости ишларини бажариш учун дарё, денгиз тагига туширилладиган махсус камера; 2 металлургия печларини совитиш учун ичидан сув ўтиб турадиган пўлат коробка; 3 *архит.* шипга, арк ва гумбазларнинг ички деворларига безак учун ишланган квадрат ёки кўп бурчаклик шаклидаги чуқур нақш).

КЕССО́НН/ЫЙ, -ая, -ое кессон 1 га оид; кессон ёрдамида бажариладиган; кессон...; **~ые рабо́ты** кессон ишлари; ✦ **~ая боле́знь** кессон касаллиги (кессон шароитида ишловчиларда юз берадиган касаллик).

КЕССО́НЩИК *м* кессончи, кессонда ишлайдиган ишчи.

КЕ́ТА и **КЕТА́** *ж* кета (лосослар оиласига мансуб қизил гўшт балиқ).

КЕТГУ́Т *м* кетгут (хирургияда ишлатиладиган, қўй, эчки ичагидан эшилган ип).

КЕТМЕ́НЬ *м, р.* **-ня́** кетмон.

КЕ́ТОВ/ЫЙ и **КЕТО́В/ЫЙ, -ая, -ое** кета балиғига оид; кета...; **~ая икра́** кета икраси, кета балиғининг уруғи (увулдириғи).

КЕФА́ЛЕВЫЙ, -ая, -ое кефаль балиғига оид; кефаль...

КЕФА́ЛЬ *ж* кефаль (майда денгиз балиғининг бир тури).

КЕФИ́Р *м* кефир (махсус ивитилган қатиқ).

КЕФИ́РНЫ/Й, -ая, -ое кефирга оид; кефир...; **~й цех** кефир цехи; **~е грибки́** кефир замбуруғлари.

КЗАДИ *нареч.* орқага, орқа томонга.

КИБЕР *м разг. то же, что* **кибермаши́на.**

КИБЕРМАШИ́НА *ж* (кибернети́ческая маши́на) кибермашина (кибернетик машина, робот).

КИБЕРНЕ́ТИК *м* кибернетик, кибернетика мутахассиси.

КИБЕРНЕ́ТИКА *ж* кибернетика (автоматик бошқариш системалари ва методлари ҳақидаги фан).

КИБЕРНЕТИ́ЧЕСКИ/Й, -ая, -ое кибернетикага оид; кибернетик; кибернетика...; **~е автома́ты** кибернетик автоматлар.

КИБИ́ТКА *ж, р. мн.* **-ток** 1 соябон арава; арава соябони; 2 ўтов; 3 кесак деворли уй, пахса уй (Ўрта Осиё халқларида).

КИВА́ТЬ *несов.* (*сов.* **кивну́ть**) 1 *чем* и *без доп.* бош ирғатмоқ, бош қимирлатмоқ; бош қимирлатиб (ирғатиб) табрикламоқ (ёки розилик билдирмоқ, маъқуллламоқ); **~ в знак одобре́ния** маъқуллаб бош қимирлатмоқ; бош ирғатиб маъқулламоқ; маъқул деб бош қимирлатиб қўймоқ; 2 *на кого-что* бош ирғитиб кўрсатмоқ, боши билан имо-ишора қилмоқ; 3 *перен. на кого* бировга тўнкамоқ, ағдармоқ; бировдан кўрмоқ; **ты на меня́ не кива́й — сам винова́т!** сен айбни менга тўнкама — ўзинг айбдорсан!; 4 бош чайқамоқ, сарак-сарак қилмоқ.

КИВЕ́Р *м. мн.* **-а́** кивер (ҳарбийларнинг жиға тақилган бурунги бош кийими).

КИВНУ́ТЬ *сов. однокр. см.* **кива́ть; ~ в знак согла́сия** маъқуллаб бош силкиб қўймоқ.

КИВО́К *м, р.* **-вка́** бош қимирлатиш, бош силкиб (ирғатиб, чайқаб) қилинган имо-ишора.

КИДА́ТЬ *несов.* (*сов.* **ки́нуть**) 1 *что, чем* отмоқ, итқитмоқ, ташламоқ; **~ в во́ду ка́мешки** сувга тош отмоқ; 2 *что* ташламоқ, туширмоқ; ботирмоқ; **~ не́вод** (сувга) тўр

www.ziyouz.com kutubxonasi

ташламоқ; 3 *перен. что* ташламоқ; отмоқ, қотмоқ; ~ **ре́плики** луқма ташламоқ; ~ **слова́** сўз отмоқ, сўз қотмоқ; 4 *безл.* силкинмоқ, чайқалмоқ; оғмоқ; **ло́дку кида́ло из стороны́ в сто́рону** қайиқ у ёқдан бу ёққа чайқалар (силкинар, оғар) эди; 5 *перен. что* ташламоқ, туширмоқ, сочмоқ; ёймоқ; ~ **лучи́** нур ташламоқ, нур сочмоқ; ~ **тень** соя ташламоқ, соя туширмоқ, соя солмоқ; ~ **взор** нигоҳ (назар) ташламоқ, қараб қўймоқ; 6 *что* ташламоқ, ҳар ёнга отмоқ; **оку́рки на́ пол не** ~! чекилган папиroслар ерга ташланмасин!; 7 *безл. во что* бирор ҳолатга келмоқ; босмоқ, тушмоқ; ~ **в дрожь** (или **в озно́б**) қалтироқ босмоқ, қалтиратмоқ; **его́ в пот ки́нуло** уни тер босди; у ғарқ терга ботди; ✦ ~ **жре́бий** қуръа (чек) ташламоқ; ~ **ка́мень** (**ка́мнем** или **гря́зью**) *в кого* бировни ёмонламоқ (қораламоқ, айбламоқ, гуноҳкор қилмоқ).

КИДА́ТЬСЯ *несов.* 1 *чем* и *без доп.* бировга (ёки бир-бирига) отмоқ; отишмоқ; ~ **снежка́ми** бировга (ёки бир-бирига) қор отмоқ; қор отишмоқ; қор бўрон қилмоқ; қор бўрон ўйнамоқ; 2 *перен. кем-чем разг.* сочмоқ, совурмоқ, қадрламаслик, қадрига етмаслик; ~ **друзья́ми** дўстларни қадрламаслик; ~ **деньга́ми** пулни совурмоқ; 3 (*сов.* **ки́нуться**) ўзини отмоқ, отилмоқ, ташланмоқ, югурмоқ; ~ **навстре́чу** *кого-л.* кимсанинг истиқболига югурмоқ (югуриб пешвоз чиқмоқ); ~ **в объя́тия** қучоғига отилмоқ; ўзини қучоғига отмоқ; 4 (*сов.* **ки́нуться**) *на кого-что* ҳужум қилмоқ, ҳужумга отилмоқ, ташланмоқ; ~ **на врага́** душман устига ташланмоқ, душманга ҳужум қилмоқ; ~ **на фру́кты** мевага ташланмоқ (ёпирилмоқ); 5 (*сов.* **ки́нуться**) *с неопр.* югурмоқ, ошиқмоқ, шошилмоқ; ~ **помога́ть** ёрдамга югурмоқ, ёрдам қилишга шошилмоқ; 6 (*сов.* **ки́нуться**) сакрамоқ; ўзини отмоқ, ташламоқ; ~ **с горы́** тоғдан (баландликдан) сакрамоқ (ўзини отмоқ); 7 (*сов.* **ки́нуться**) ўзини ташламоқ, отмоқ, ташланмоқ; ~ **в кре́сло** креслога ўзини отмоқ; креслога ташланмоқ; 8 у ён-бу ён чайқалмоқ, каловламоқ; ташланмоқ; ~ **из стороны́ в сто́рону** гоҳ у ёнга, гоҳ бу ёнга ташланмоқ; 9 *страд. от* **кида́ть** 1—3, 6; ✦ ~ **в глаза́** кўзга ташланмоқ; диққатни тортмоқ, жалб этмоқ; **вино́** (или **хмель**) **кида́ется в го́лову** вино кайф (маст қила) бошлади; **кровь кида́ется в лицо́** юзига қон югурди.

КИЗИ́Л *м* қизил (қизил мевали бута ва унинг нордон меваси).

КИЗИ́ЛОВ/ЫЙ и **КИЗИ́ЛЕВЫЙ**, **-ая**, **-ое** қизилга оид; қизил мевасидан қилинган, қизил...; ~**ые кусты́** қизил буталари; ~**ое варе́нье** қизил мураббоси.

КИЗИ́ЛЬНИК *м* 1 *то же, что* ирғай; 2 қизилзор.

КИЗЯ́К *м, р.* **-а́** тезак, таппи; чалма; **топи́ть** ~**о́м** тезак ёқмоқ, тезак (таппи) ёқиб иситмоқ.

КИЗЯ́КОВЫЙ, **-ая**, **-ое** тезакка оид, тезак...

КИЗЯ́ЧНЫ/Й, **-ая**, **-ое** тезакка оид; тезакдан қилинган, тезак аралашган; тезак...; ~**й дым** тезак тутуни; ~**е пли́тки** таппи, чалма.

КИЙ *м* кий (бильярд таёғи).

КИ́КА *ж обл. то же, что* **ки́чка**.

КИКИ́МОРА *ж* 1 алвасти, опала, ажина; 2 *прост. груб.* бадбашара аёл; ажива, тавия, тараққос; 3 *прост. бран.* тасқара, рўдапо.

КИЛ *м мин.* гил (сувда кўпирадиган ишқорли оқ лой).

КИЛА́ *ж* 1 *прост.* и *обл.* грижа, дабба; 2 *спец.* илдиз буқоғи (илдизида буқоқ ғўдда пайдо бўлишидан иборат касаллик).

КИЛЕВ/О́Й, **-а́я**, **-о́е** *мор.* килга оид; киль...; ~**а́я ба́лка** киль балкаси; ✦ ~**а́я ка́чка** кеманинг узунасига чайқалиши (гоҳ бурни кўтарилиб, гоҳ қуйруқ томони кўтарилиб чайқалиши).

КИЛО́ *с нескл. разг. то же, что* **килогра́мм**; ~ **виногра́да** бир кило узум.

КИЛОВА́ТТ *м* киловатт (электр қувватининг 1000 ваттга тенг ўлчов бирлиги).

КИЛОВА́ТТ-ЧАС *м* киловатт-соат (электр токи энергиясининг бир киловатт қувватли ток бир соатда бажарадиган ишига тенг ўлчов бирлиги).

КИЛОГРА́ММ *м* килограмм.

КИЛОГРАММО́В/ЫЙ, **-ая**, **-ое** бир килограммга тенг, бир килограмм оғирликдаги, бир килограмм; ~**ая ги́ря** бир килограммлик тош.

КИЛОГРАММОМЕ́ТР *м* килограммометр (иш ўлчов бирлиги).

КИЛОМЕ́ТР *м* километр; **до го́рода о́коло** ~**а** шаҳарга бир километрча бор.

КИЛОМЕТРА́Ж *м* километраж (километрлар билан ифодаланган узунлик, масофа); ~ **пути́** йўл километражи, йўлнинг километрлар билан ифодаланган узунлиги.

КИЛОМЕ́ТРОВКА *ж спорт. разг.* километровка (бир километрлик дистанция).

КИЛОМЕ́ТРОВ/ЫЙ, **-ая**, **-ое** километрлик, бир километрга тенг; бир километр узунликдаги; ~**ая диста́нция** бир километрлик дистанция.

КИЛОТО́ННА *ж* килотонна (ядро заряди қувватининг шартли ўлчов бирлиги; минг тонна тринитротолуол зарядининг портлаш кучига тенг).

КИЛЬ *м* киль (1 *мор.* кеманинг тубини маҳкам тутиб турувчи узунасига жойлашган асосий балкаси, пуштаги; 2 *ав.* самолёт ёки дирижаблнинг қуйруқ қисмидаги буриш рули ўрнашган вертикал сирт; 3 *зоол.* қушларнинг ва баъзи сутэмизувчиларнинг кўкрак суяги).

КИЛЬВА́ТЕР *м мор.* кильватер (кеманинг орқада киль йўналишида қолдириб бораётган изи); ✦ **в** ~**е** изидан, кетидан, изма-из; **идти́ в** ~**е** кема изидан бормоқ; изма-из (кетма-кет) бормоқ.

КИЛЬВА́ТЕРН/ЫЙ, **-ая**, **-ое** *мор.* кильватерга, кема изига оид; кильватер...; ~**ая коло́нна** кильватер колонна (изма-из тизилиб бораётган кемалар колоннаси).

КИ́ЛЬКА *ж, р. мн.* **-лек** килька (сельдлар оиласига мансуб майда балиқ).

КИМВА́Л *м муз.* кимвал, чанг (бир-бирига уриб чалинадиган тўғарак ёғоч ёки мис асбоб).

КИМО́ГРАФ *м* кимограф (1 организмдаги физиологик жараёнларни эгри чизиқ шаклида ёзиб оладиган аппарат; 2 товушларни чизиқ равишида ёзиб оладиган аппарат).

КИМОНО́ *с нескл.* кимоно (1 японларнинг енги кенг уст кийими; **шёлковое** ~ шойи кимоно; 2 *разг.* шундай кийимнинг енг бичиғи).

КИНГСТО́Н *м мор.* кингстон (кеманинг ост қисмидаги сув киритиладиган туйнуги ва унинг қопқоғи).

КИНЕМА́ТИКА *ж* кинематика (назарий механиканинг жисмлар ҳаракатини юзага келтирувчи кучлардан қатъи назар ўрганадиган бўлими).

КИНЕМАТИ́ЧЕСК/ИЙ, **-ая**, **-ое** кинематикага оид; кинематик; ~**ая зада́ча** кинематик масала; ✦ ~**ая схе́ма станка́** станокнинг кинематик (тузилиш) схемаси.

КИНЕМАТО́ГРАФ *м* 1 *то же, что* **киноаппара́т**; 2 *уст. то же, что* **киноиску́сство**; 3 *уст. то же, что* **кинотеа́тр**.

КИНЕМАТОГРАФИ́СТ *м* кинематографист, кинематография мутахассиси, кино санъати устаси.

КИНЕМАТОГРАФИ́ЧЕСК/ИЙ, **-ая**, **-ое** кинематографга ва кинематографияга оид; кинематографик; кинематография...; ~**ое изображе́ние** кинематографик тасвир; ~**ая промы́шленность** кинематография саноати.

КИНЕМАТОГРАФИ́/Я *ж* 1 кинематография, кино санъати (кинокартиналар ишлаб чиқариш ва уларни экранда кўрсатиш санъати); 2 кинематография (маданият ва халқ хўжалигининг кино санъатига доир тармоғи); **предприя́тия сове́тской** ~**и** совет кинематографияси корхоналари.

КИНЕСКО́П *м* кинескоп (телевизорнинг тасвир қабул қилиб оладиган ва кўрсатадиган электрон-нур трубкаси).

КИНЕ́ТИКА *ж* кинетика (назарий механиканинг динамика ва статикани ўз ичига олган бўлими).

КИНЕТИЧЕСК/ИЙ, **-ая**, **-ое** кинетикага оид; кинетик; кинетика...; ҳаракат...; ~**ая эне́ргия** кинетик энергия, механик ҳаракат энергияси.

КИНЖА́Л *м* ханжар.

КИНЖА́ЛЬН/ЫЙ, **-ая**, **ое** ханжарга оид; ханжар билан қилинган, ханжардан етган; ханжар...; ~**ый клино́к** ханжар тиғи; ~**ое ране́ние** ханжардан етган яра, ханжар яраси; ✦ ~**ая батаре́я** *воен.* яқиндан ўққа тутадиган бата-

www.ziyouz.com kutubxonasi

рея; ~ый ого́нь *воен.* яқиндан ўққа тутиш, кутилмаганда яқин масофадан ўт очиш.

КИНО *с нескл.* 1 *то же, что* **кинематогра́фия; сове́тское** ~ совет киноси; **де́ятели** ~ кино арбоблари; 2 *разг. то же, что* **кинотеа́тр; идти́ в** ~ кинога бормоқ;**пригласи́ть в** ~ кинога таклиф қилмоқ.

КИНОАКТЁР *м* киноактёр, кино актёри.

КИНОАКТРИ́СА *ж см.* киноактёр.

КИНОАЛЬМАНА́Х *м* киноальманах (бир неча қисқа кинофильмлар мажмуи).

КИНОАППАРА́Т *м* киноаппарат (кинофильм оладиган ва уни экранда кўрсатадиган аппарат).

КИНОАППАРАТУ́РА *ж собир.* киноаппаратура (кинематографияда қўлланиладиган аппаратлар мажмуи).

КИНОАРТИ́СТ *м то же, что* **киноактёр.**

КИНОАРТИ́СТКА *ж, р. мн.* **-ток** *то же, что* **киноактри́са.**

КИНОБОЕВИ́К *м, р.* **-а́** кинобоевик, олди-қочди фильм.

КИНОБУ́ДКА *ж, р. мн.* **-док** кинобудка (киноаппарат ўрнатилган махсус хона).

КИНОВА́РНЫЙ, -ая, -ое киноварга оид; киноварь...

КИНОВА́РЬ *ж* киноварь (1 қизил рангли минерал, симоб сульфид, симоб рудаси; 2 шу минералдан тайёрланган қизил бўёқ).

КИНОВЕ́ДЕНИЕ *с* киношунослик.

КИНОВЕДЧЕ́СКИЙ, -ая, о-е киношуносликка оид; киношунослик...

КИНОДРАМАТУ́РГИЯ *ж* кинодраматургия (1 *собир.* киносценарийлар мажмуи; 2 киносценарийларнинг тузилиши ҳақидаги назария).

КИНОЖУРНА́Л *м* киножурнал.

КИНОЖУРНАЛИ́СТИКА *ж* киножурналистика.

КИНОЗВЕЗДА́ *ж* киноюлдуз (машҳур кино актрисаси).

КИНОИСКУ́ССТВО *с* кино санъати; кинофильмлар яратиш санъати, кинематография; **сове́тское** ~ совет кино санъати.

КИНОКАРТИ́НА *ж* 1 *то же, что* **кинофи́льм;** 2 кинокартина (кинофильмнинг ҳар бир нусхаси).

КИНОКОМПА́НИЯ *ж* кинокомпания (кинофильмлар ишлаб чиқарувчи капиталистик бирлашма).

КИНОКРИ́ТИК *м* кинотанқидчи, кино танқидчиси.

КИНОКРИТИ́КА *ж* кино танқидчилиги.

КИНОЛЕНИНИА́НА *ж* киноленинниана, киноленинном а (В. И. Ленин ҳақидаги кинофильмлар мажмуи).

КИНОЛЕ́НТА *ж* кинолента (кинофильм лентаси, бир нусха кинофильм).

КИНОЛЕ́ТОПИСЬ *ж* киносолнома.

КИНОЛО́Г *м* кинолог, итшунос.

КИНОЛО́ГИЯ *ж* кинология (зоологиянинг итлар ҳақидаги бўлими, итлар ҳақидаги фан, итшунослик).

КИНОЛЮБИ́ТЕЛЬ *м* киноҳаваскор; **клуб ~ей** киноҳаваскорлар клуби.

КИНОМЕХА́НИК *м* киномеханик (кинофильмлар кўрсатувчи механик).

КИНООБОРУ́ДОВАНИЕ *с* киножиҳоз (кинофильмлар яратиш ва кўрсатиш учун керакли асбоб-ускуна ва жиҳозлар).

КИНООПЕРА́ТОР *м* кинооператор (кинофильмларни суратга олувчи оператор).

КИНООЧЕРК *м* киноочерк (очерк тарзидаги кинофильм).

КИНОПАНОРА́МА *м* кинопанорама (кенг экранли кинотеатр).

КИНОПЕРЕДВИ́ЖКА *ж, р. мн.* **-жек** кинопередвижка (кўчма кино, кўчма киноустановка).

КИНОПЛЁНКА *ж, р. мн.* **-нок** киноплёнка (кинофильмлар суратга олинадиган махсус лента).

КИНОПРЕМЬЕ́РА *ж* кинопремьера, кинофильм премьераси.

КИНОПРОДЮСЕ́Р *м* кинопродюсер (капиталистик мамлакатларда: кинофильмлар чиқариш билан шуғулланувчи корчалон).

КИНОПРОКА́Т *м* кинопрокат (кинофильмларни кўпайтириш ва уларни томошабинларга кўрсатиш учун жойларга тарқатиш; шу иш билан шуғулланувчи муассаса).

КИНОПРОМЫ́ШЛЕННОСТЬ *ж* кино (кинематография) саноати.

КИНОРАБО́ТНИК *м* киноходим, кинематография ходими.

КИНОРЕКЛА́МА *ж* кинореклама.

КИНОРЕЖИССЁР *м* кинорежиссёр.

КИНОРЕПОРТА́Ж *м* кинорепортаж.

КИНОСЕА́НС *м* киносеанс; **дневно́й (вече́рний)** ~ кундузги (кечки) киносеанс.

КИНОСТУ́ДИЯ *ж* киностудия (1 кинофильмлар ишлаб чиқарадиган фабрика; ~ **«Узбекфильм»** «Ўзбекфильм» киностудияси; 2 киноартист ва кинорежиссёрлар тайёрлайдиган мактаб).

КИНОСЦЕНА́РИЙ *м* киносценарий, кинофильм сценарийси.

КИНОСЦЕНАРИ́СТ *м* киносценарист, киносценарийлар ёзувчи драматург.

КИНОСЪЁМКА *ж, р. мн.* **-мок** киносъёмка, кино олиш, кинога олиш (кинофильм учун суратга олиш).

КИНОСЪЁМО́ЧН/ЫЙ, -ая, -ое киносъёмкага (кино олишга) оид; кино олиш учун белгиланган; киносъёмка...; ~**ая аппарату́ра** киносъёмка аппаратлари, кино оладиган аппаратлар.

КИНОТЕА́ТР *м* кинотеатр (кинофильмлар кўрсатиладиган бино).

КИНОУСТАНО́ВКА *ж, р. мн.* **-вок** киноустановка (кинофильмлар кўрсатиш учун ўрнатилган аппарат ва асбоб-ускуна мажмуи).

КИНОФА́БРИКА *ж* кинофабрика.

КИНОФЕСТИВА́ЛЬ *м* кинофестиваль; **междунаро́дный** ~ халқаро кинофестиваль.

КИНОФИКА́ЦИЯ *ж по гл.* **кинофици́ровать; ~ райо́нов** районларни кинолаштириш; ~ **клу́ба** клубни киноустановка билан таъминлаш; клубга киноустановка ўрнатиш.

КИНОФИ́ЛЬМ *м* кинофильм, кинокартина; **нау́чно-популя́рный** ~ илмий-оммабоп кинофильм; **приключе́нческий** ~ саргузаштли кинофильм; **худо́жественный** ~ бадиий кинофильм.

КИНОФИЦИРОВА́ТЬ *сов.* и *несов. что* 1 кинолаштирмоқ, кинофикациялаштирмоқ (кинотеатрлар қурмоқ, кўчма кинолар ташкил этмоқ); ~ **го́рный райо́н** тоғли районни кинолаштирмоқ; 2 киноустановка билан таъминламоқ, киноустановка ўрнатмоқ; ~ **шко́лу** мактабни киноустановка билан таъминламоқ, мактабга киноустановка ўрнатмоқ.

КИНОФОТОПЛЁНКА *ж* кинофотоплёнка (кинофильмлар, фотосуратлар олинадиган махсус лента).

КИНОХРО́НИКА *ж* кинохроника.

КИНОЭКРА́Н *м* киноэкран, кино пардаси, парда.

КИ́НУТЬ *сов.* 1 *см.* **кида́ть;** 2 *разг.* ташлаб кетмоқ; қолдириб кетмоқ; ~ **в беде́ това́рища** ўртоғини қийин (мушкул, ёмон) аҳволда ташлаб кетмоқ; ~ **дете́й** болаларини ташлаб кетмоқ; ✦ **куда́ ни кинь гла́зом** қаёққа қарамагин, қаёққа қарасанг ҳам.

КИ́НУТЬСЯ *сов. см.* **кида́ться** 3—7.

КИОСК *м* киоска, дўконча; **газе́тный** ~ газета киоскаси; **таба́чный** ~ тамаки киоскаси; **цвето́чный** ~ гул дўкони.

КИОСКЁР *м* киоскачи (киоска сотувчиси).

КИОТ *м* икона (санам) қутиси ёки рамкаси.

КИП *м* кип (Лаосда: пул бирлиги).

КИ́ПА *ж* 1 даста, боғлам, тахлам, тўп; ~ **бума́г** бир боғлам қоғоз; 2 *спец.* той; ~ **хло́пка** (бир) той пахта.

КИПАРИ́С *м* кипарис, сарв.

КИПАРИ́СНЫЙ, -ая, -ое *то же, что* **кипари́совый** 1.

КИПАРИ́СОВ/ЫЙ, -ая, -ое 1 кипарисга, сарвга оид, кипарисдан (сарвдан) қилинган; кипарис...; сарв...; ~**ая алле́я** кипарислар ўтқазилган хиёбон, сарвзор хиёбони; ~**ая ве́тка** сарв новдаси; ~**ая шкату́лка** сарв ёғочидан қилинган қутича; сарв (кипарис) қутича; 2 *в знач. сущ.* ~**ые** *мн. бот.* кипарислар.

КИПЕ́НИЕ *с* 1 *по гл.* **кипе́ть** 1—3; ~ **воды́** сувнинг қайнаши; 2 *перен.* жўш уриш, қизиш; жўш урган (жўшга

www.ziyouz.com kutubxonasi

келган, қизғин) ҳолат, жўш-хуруж; ~**страсте́й** эҳтиросларнинг жўш уриши, эҳтиросларнинг жўш-хуружи.

КИПЕ́ННЫЙ, **-ая**, **-ое** кўпикдек оқ; оппоқ; ~ **цвет ви́шен** олчаларнинг оппоқ гули.

КИПЕ́НЬ *ж* оппоқ кўпик; ~ **морско́го прибо́я** денгиз тўлқинининг оппоқ кўпиги; ✦ **бе́лый как** ~ кўпикдай оппоқ.

КИП/ЕТЬ, **-плю́**, **-пи́шь** *несов.* 1 қайнамоқ; **суп уже́** ~**и́т** шўрва қайнай бошлади; **ча́йник** ~**и́т** чойнак қайнаяпти; **вода́** ~**и́т** сув қайнади; 2 қайнаб тошмоқ, жўш урмоқ, тўлқинламоқ, пишқирмоқ, кўпирмоқ; **мо́ре** ~**и́т** денгиз тўлқинланмоқда, денгиз жўш урмоқда; 3 қайнамоқ, кўпирмоқ, вижилламоқ, бижғимоқ (вино пиво ва бошқа ичимликлар ҳақида); **вино́** ~**и́т** вино қайнаяпти; **пи́во в кру́жке** ~**и́т** кружкадаги пиво кўпиряпти, 4 *перен. чем* и *без доп. уст.* қайнамоқ, тўлиб тошмоқ; ғужғон ўйнамоқ, тиқилиб ётмоқ; **наро́д** ~**и́т на у́лицах** кўчаларда одамлар ғижа-ғиж; кўчаларда одам қайнаяпти; **река́** ~**е́ла ра́зными поро́дами рыб** дарёда балиқларнинг ҳамма тури тиқилиб ётарди; 5 *перен.* қайнамоқ, тўлиб (қайнаб) тошмоқ; **В душе́ мое́й** ~**и́т не́нависть** (Чехов) Юрагимда нафрат қайнаб тошмоқда; 6 *перен.* жўш (барқ) урмоқ, қизиб кетмоқ, қизғин (тез суръат, шиддат билан) давом этмоқ, жадал бормоқ; **рабо́та** ~**е́ла** иш қизғин борарди; 7 *перен. чем* -га тўлмоқ; тўлиб тошмоқ; -га тўлиб қизишмоқ, тутоқишиб қайнамоқ; ~**е́ть гне́вом** ғазабга тўлмоқ (тўлиб тошмоқ), ғазаби қайнамоқ; ғазаби қайнаб тутоқишиб кетмоқ; **приро́да** ~**е́ла жи́знью** табиатда ҳаёт қайнарди; ✦ **как в котле́** ~**е́ть** жиззадек қовурилмоқ, жиғибийрон бўлмоқ; **слёзы** ~**я́т** ўпкаси тўлиб турибди, йиғлагиси келяпти; ~**е́ть ключо́м** *см.* **ключ** II.

КИПРЕ́Й *м* қизилбарг, баргисурх (баъзан чой ўрнида ишлатиладиган баланд ўтсимон ўсимлик).

КИПРИО́Т *м* киприот, кипрлик киши; *см.* **киприо́ты**.

КИПРИО́ТКА *ж*, *р. мн.* **-ток** киприотка, кипрлик аёл; *см.* **киприо́ты**.

КИПРИО́ТЫ *мн.* (*ед.* **киприо́т** *м*, **киприо́тка** *ж*) киприотлар, кипрликлар (Кипр оролининг аҳолиси).

КИПУ́ЧЕСТЬ *ж* қизғинлик, жўшқинлик, қайноқлик; тўлиб-тошиш; ~ **жи́зни** ҳаётнинг жўшқинлиги.

КИПУ́Ч/ИЙ, **-ая**, **-ее** 1 қайнаб тошган, пишқирган, кўпириб (пишқириб, қайнаб) турган; ~**ий пото́к** кўпириб оқаётган сув; 2 *перен.* қизғин, жўшқин, қайноқ; куч-ғайратга тўлган, сергайраг; ~**ая нату́ра** жўшқин табиат; сергайратлик; ~**ая эне́ргия** тўлиб-тошган энергия; ~**ая де́ятельность** қизғин фаолият

КИПЯТИ́ЛКА *ж*, *р. мн.* **-лок** *прост.* кипятильник ўрнатилган хона.

КИПЯТИ́ЛЬНИК *м* кипятильник (сув қайнатадиган асбоб); **электри́ческий** ~ электр кипятильник.

КИПЯТИ́ЛЬНЫЙ, **-ая**, **-ое** бирор нарса қайнатиладиган; қайнатиш учун хизмат қиладиган; ~ **бак** сув (ёки кир) қайнатиладиган бак.

КИПЯТИ́ТЬ, **-ячу́**, **-яти́шь** *несов. что* 1 қайнатмоқ; ~ **во́ду** сув қайнатмоқ; ~ **молоко́** сут қайнатмоқ; сут пиширмоқ; 2 сувда қайнатмоқ, қайнатиб олмоқ; ~ **самова́р** самовар қайнатмоқ, самовар қўймоқ; ~ **бельё** кир(ни) қайнатмоқ.

КИПЯТИ́Т/ЬСЯ, **-ячу́сь**, **-яти́шься** *несов.* 1 қайнатилмоқ; қайнамоқ; **молоко́** ~**ся** сут қайнаяпти, пишяпти (қайнатиляпти, пиширияпти); **бельё** ~**ся** кир қайнаяпти; 2 *перен. разг.* қизишмоқ, тутақишмоқ, тажанг бўлмоқ; аччиғи чиқиб (қони қайнаб) кетмоқ; **переста́нь** ~**ься!** тажанг бўлаверма (қизишма)!

КИПЯТО́К *м*, *р.* **-тка́** и **-тку́** 1 қайнатилган (қайноқ) сув; доғ сув; 2 *перен. разг.* жаҳли тез одам; қони қайноқ одам.

КИПЯЧЕ́НИЕ *с по гл.* **кипяти́ть**; ~ **молока́** сутни қайнатиш (пишириш); ~ **белья́** кир қайнатиш.

КИПЯЧЕ́НЫЙ, **-ая**, **-ое** қайнаган, қайнатилган; ~**ая вода́** қайнаган сув; ~**ое молоко́** пиширилган (қайнатилган) сут; пишган сут.

КИРА́СА *ж* 1 совут; 2 кираса (баъзи армияларда: парад кийими кўкрагини безатадиган буюм).

КИРАСИ́Р *м* кирасир (1 совут кийган отлиқ аскар; 2 1917 йилгача Россияда ва баъзи ғарб давлатларида: алоҳида кавалерия қисмларининг солдати ёки офицери).

КИРАСИ́РСКИЙ, **-ая**, **-ое** кирасирларга оид; кирасир(лар)...; ~ **мунди́р** кирасирлар мундири; ~ **полк** кирасирлар полки.

КИРГИ́З *м* қирғиз; *см.* **киргизы**.

КИРГИ́ЗКА *ж*, *р. мн.* **-зок** қирғиз аёл; *см.* **киргизы**.

КИРГИ́ЗСКИЙ, **-ая**, **-ое** қирғизларга оид; қирғиз(лар)...; ~ **язы́к** қирғиз тили; ~ **э́пос «Мана́с»** «Манас» қирғиз эпоси.

КИРГИ́ЗЫ *мн.* (*ед.* **киргиз** *м*, **киргизка** *ж*) қирғизлар, қирғиз халқи, Қирғизистон ССРнинг туб аҳолиси.

КИРЗА *ж* кирза (тери ўрнида ишлатиладиган қалин резиналанган тўқима).

КИРЗОВЫ́Й, **-ая**, **-ое** кирзага оид; кирзадан қилинган; кирза...; ~**е сапоги́** кирза этик.

КИРИ́ЛЛИЦА *ж* кириллица (қадимги славян тилининг икки алфавитидан бири).

КИ́РКА *ж*, *р. мн.* **-рок** лютеранлар черкови.

КИ́РКА *ж*, *р. мн.* **-рок** кирка, чўкич, метин.

КИРКОМОТЫГА *ж* қўшбош (бир оёғи киркага, бир оёғи тешага ўхшаган иккиёқлама асбоб).

КИРПИ́Ч *м*, *р.* **-а́** 1 ғишт; **обожжённый** ~ пишиқ ғишт; **огнеупо́рный** ~ ўтга чидамли ғишт; ~**-сыре́ц** хом ғишт; 2 *чего* ғишт шаклидаги нарса, тўртбурчак; кулча, тахта; ~ **хле́ба** тўртбурчак нон (булка); **торфяно́й** ~ торф тахтаси, тахта торф; ~ **ча́я** чой тахтаси; бир тахта чой.

КИРПИЧЕОБЖИГАТЕЛЬН/ЫЙ, **-ая**, **-ое** ғишт пишириладиган; ~**ая печь** хумдон.

КИРПИ́ЧИНА *ж разг.* бир дона ғишт.

КИРПИЧИ́НА *ж разг.* йирик ғишт, катта ғишт.

КИРПИ́ЧН/ЫЙ, **-ая**, **-ое** 1 ғиштга оид; ғиштдан қилинган; ғиштин; ғишт...; ~**ый дом** ғишт уй; ~**ый заво́д** ғишт заводи; 3 ғиштсимон, ғишт рангидаги; қизғиш; ~**ый зага́р** қизғиш рангда қорайиш; ✦ ~**ый чай** тахтачой, тошчой.

КИ́СА *ж разг.* мушукнинг лақаби; мушукжон, миёвхон.

КИСА́ *ж обл.* и *уст.* кисса, халтача; ~ **с де́ньгами** пулли (пул солинган) кисса (халтача); **ко́жаная** ~ чарм кисса (халтача).

КИСЕ́ЙН/ЫЙ, **-ая**. **-ое** 1 докага оид; докадан қилинган; дока...; ~**ый по́лог** дока парда; дока пашшахона; 2 *перен.* жуда юпқа, шаша; ✦ ~**ая ба́рышня** нозик одам, ойимтилла, танноз, ипакойим.

КИСЕ́Л/Ь *м*, *р.* **-ля́** 1 кисель; **вишнёвый** ~**ь** олча кисели; 2 *перен.* шилт-шилт суюқ лой (балчиқ), атала, бўтана; **по́сле дожде́й под нога́ми образова́лся** ~**ь** ёмғирдан кейин ер (йўл) шилт-шилт лой бўлиб кетди; 3 *перен.* бўшанг (лалайган) одам; ландовур, латта; ✦ **седьма́я вода́ на** ~**е́** *шутл.* авағамнинг авағаси (сал чатишган узоқ қариндош ҳақида); **(е́хать) за́ семь вёрст** ~**я́ хлеба́ть** арзимаган нарса учун узоққа бормоқ; Тўйтепага ҳалим егани бормоқ; **дать** (или **подда́ть**) ~**я́** *кому прост.* дўнг олмоқ.

КИСЕЛЬНЫ/Й, **-ая**, **-ое** киселга оид; кисель...; ✦ **моло́чные ре́ки**, ~**е берега́** сув ўрнига сут оқадиган, қор ўрнига шакар ёғадиган афсонавий жой (рус халқ эртакларида).

КИСЕ́Т *м* тамаки халта.

КИСЕ/Я *ж* дока; **плато́к из** ~**и́** дока рўмол.

КИСК/А *ж*, *р. мн.* **-сок** *то же, что* **ки́са**; **прикну́ться ла́сковой** ~**ой** ўзини ювош қилиб кўрсатмоқ; ювош мушукдай суйканмоқ.

КИСЛИ́НК/А *ж:* **с** ~**ой** *разг.* нордонроқ, нордонгина; нордонмаза; **я́блоко с** ~**ой** нордонмаза олма, қимизак олма.

КИСЛИТ/Ь, **-ли́т** *несов.* 1 нордон қилмоқ, ачитмоқ; 2 мазаси сал нордон бўлмоқ; нордон туюлмоқ; **вино́** ~ вино нордонроқ (экан).

КИ́СЛО *нареч.* истар-истамас, ижирғаниб; ~ **улыбну́ться** истар-истамас илжайиб қўймоқ.

КИСЛОРО́Д *м* кислород.

КИСЛОРО́ДН/ЫЙ, **-ая**, **-ое** кислородга оид; кислородли; кислород...; ~**ые соедине́ния** кислородли бирикмалар; ~**ое голода́ние** кислород етишмаслиги; ✦ ~**ая поду́шка** кислород ёстиғи (беморларга нафас олдириш учун кислород билан тўлдирилган резина ёстиқ).

КИСЛО-СЛА́ДКИЙ, **-ая**, **-ое** нордон-ширин, қимизак ~**ое я́блоко** нордон-ширин олма, қимизак олма.

www.ziyouz.com kutubxonasi

КИСЛОТА *ж* 1 нордонлик, аччиқлик; **~ я́блока** олманинг нордонлиги (аччиқлиги); 2 *мн.* **-о́ты** *хим.* кислота; **азо́тная ~** азот кислотаси, нитрат кислота; **се́рная ~** олтингугурт кислотаси, сульфат кислота; **соля́ная ~** хлор кислотаси, хлорид кислота.

КИСЛО́ТНОСТЬ *ж* кислота миқдори; кислоталилик; **повы́шенная ~** нормадан ортиқ кислоталилик; кислотанинг нормадан ортиқлиги; **~ по́чвы** *с.-х.* тупроқдаги кислота миқдори; тупроқнинг кислоталилик даражаси; **ана́лиз на ~** кислота миқдорини аниқлаш анализи.

КИСЛО́ТНЫЙ, -ая, -ое кислотага оид; кислотали; кислота...; **~е соедине́ния** кислотали бирикмалар; **~е краси́тели** кислотали бўёқлар.

КИСЛОТОУПО́РНОСТЬ *ж спец.* кислотага чидамлилик, кислотабардошлик.

КИСЛОТОУПО́РНЫЙ, ая, -ое *спец.* кислотага чидамли, кислотабардош; **~ материа́л** кислотага чидайдиган (кислотабардош) материал.

КИСЛ/ЫЙ, -ая, -ое; -сел, -сла́, -сло 1 нордон, аччиқ; **~ые сли́вы** нордон олхўри; 2 ивитилган, тузланган, ачитилган; оширилган; **~ая капу́ста** тузланган карам; **~ое те́сто** оширилган хамир; **~ое молоко́** қатиқ; 3 ачиган, ачиб-бижғиб кетган, бузилиб қолган; **~ая ка́ша** ачиган каша; 4 *перен. разг.* ижирганган, норози, хафа; бузуқ; **у него́ ~ый вид** у кўринишдан хафа; унинг кайфи бузуқ; **~ое выраже́ние лица́** ижирганган кўриниш, хафа кўриниш; 5 *хим.* кислотали, нордон; **~ый раство́р** кислотали эритма; ✦ **~ые во́ды** (или **исто́чники**) аччиқ (ёки нордон) сувлар (углекислотали минерал сувлар); **~ые щи** 1) нордон шчи (тузланган карамдан тайёрланган шчи); 2) кваснинг бир тури; **~ая соль** *хим.* нордон туз (таркибида металл билан алмашина оладиган водород бўлган туз).

КИСЛЯ́Й *м прост. бран.* доим зорланиб (нолиб, минғиллаб) юрадиган одам; мижғов, минғи, минғир-минғир.

КИСЛЯ́ТИНА *ж разг.* 1 нордон (ёки ачиб кетган) нарса; **не грана́т, а ~** анор жуда нордон экан; 2 *перен. то же, что* **кисля́й.**

КИСН/УТЬ *несов.* 1 (*сов.* **проки́снуть**) ачимоқ, ачиб кетмоқ; **молоко́ ~ет** сут ачиб қоляпти; 2 *перен. разг.* зиқ бўлиб ётмоқ, бекор ётиб зиқ бўлмоқ, ланж, лоқайд бўлиб кетмоқ; **~уть до́ма** уйда зиқ бўлиб ётмоқ, уйда ётавериб ланж (лоқайд) бўлиб кетмоқ; 3 *перен. разг.* ланж тортмоқ, лоҳас бўлмоқ, бўшашмоқ; мазаси қочмоқ, кайфи бузилмоқ, руҳи тушиб кетмоқ; **~уть от жары́** иссиқдан лоҳас бўлмоқ; **ну, чего́ ты ~ешь?** ҳа, нега бўшашаяпсан (бўшашиб қолдинг)?

КИСТА́ *ж мед.* киста (сариқ сув олган шиш, ўсма).

КИСТЕВИ́ДН/ЫЙ, -ая, -ое попуксимон, попукли, шокилали; **~ое соцве́тие** попуксимон тўпгул.

КИСТЕВ/О́Й, -а́я, -о́е 1 панжага оид; панжа...; **~о́й суста́в** панжа бўғими; 2 попук (шокила) шаклидаги, попуксимон; **~ы́е украше́ния** гажим, попук; **~о́й разря́д** *физ.* попук разряд.

КИСТЕ́Н/Ь *м, р.* **-ня́** гурзи; **чўқмор, шашвар;** ✦ **гуля́ть (или ходи́ть) с ~ём** *уст.* қароқчилик қилмоқ, йўлтўсарлик қилмоқ.

КИСТОЧК/А *ж, р. мн.* **-чек** 1 кичкина чўтка, чўткача; чўтка; **~а для акваре́ли** акварель бўёқ чўтка; **~а для бритья́** сартарошлик чўткаси; 2 попук, гажим; **ша́почка с ~ой** попукли шапкача (қалпоқча); 3 шингил; **~а виногра́да** бир шингил узум; ✦ **на́ше вам с ~ой** *прист. шутл.* хайр-хўш; хайр-маъзур.

КИСТ/Ь *ж, р. мн.* **-е́й** 1 панжа; **~ь руки́** қўл панжаси; 2 бош; попук; **~ винограда́** узум боши, бир бош узум; **~ь сире́ни** сирень попуги; 3 попук, шокила, гажим; **плато́к с ~я́ми** попукли рўмолча; 4 чўтка; мўйқалам; **маля́рная ~ь** бўёқчи чўткаси; 5 *перен.* рассомлик санъати, услуби; **владе́ть ~ью** рассомлик санъатига эга бўлмай, мўйқалам ишлатишни билмоқ; **карти́на ~и Ре́пина** Репин ишлаган (Репин мўйқаламига мансуб) сурат.

КИТ *м, р.* **-а́** 1 кит; **грендла́ндский ~** гренландия кити; 2 *перен.* йирик намоянда, аркон; **Вы, мо́жно сказа́ть, ~ сце́ны** (Купри́н) Сизни саҳна аркони деса ҳам бўлади; **~ы́ нау́ки** фаннинг йирик намояндалари, фан арконлари.

КИТАЕВЕ́Д *м то же, что* **китаи́ст.**

КИТАЕВЕ́ДЕНИЕ *с то же, что* **китаи́стика.**

КИТА́ЕЦ *м, р.* **-а́йца** хитой; *см.* **кита́йцы.**

КИТАИ́СТ *м* хитойшунос, синолог.

КИТАИ́СТИКА *ж* хитойшунослик; синология.

КИТА́ЙКА I *ж* китайка (илгарилари Хитойдан келтирилган газлама тури).

КИТА́ЙКА II *ж* китайка (совуққа чидамли олма нави).

КИТА́ЙСК/ИЙ, -ая, -ое Хитойга ва хитойларга оид; Хитой...; хитой(лар)... хитойча; **~ий язы́к** хитой тили; **~ий фарфо́р** хитой чинниси; ✦ **~ая гра́мота** ҳеч бир тушуниб бўлмайдиган (тушунилиши мушкул) нарса, ёзув, хат ва ҳ. к.; **~ая стена́** хитой девори (бошқалардан, ташқи оламдан бутунлай узиб қўядиган нарса ёки ҳолат ҳақида); **~ие те́ни** экранга соялар тушириб турли манзаралар ҳосил қилиш йўли билан кўрсатиладиган ўйин, томоша; **~ие церемо́нии** *шутл.* и *ирон.* ортиқча такаллуф, ортиқча мулозамат.

КИТА́ЙЦЫ *мн. (ед.* **кита́ец** *м,* **китая́нка** *ж)* хитойлар, хитой халқи. Хитойнинг асосий аҳолиси.

КИТА́ЙЧАТЫЙ, -ая, -ое китайкадан тикилган, китайка...

КИТАЯ́НКА *ж, р. мн.* **-нок** хитой аёл; *см.* **кита́йцы.**

КИТЕ́ЛЬ *м* китель (тик ёқали куртка); **офице́рский ~** офицер(лар) кители.

КИТОБО́ЕЦ *м, р.* **-о́йца** кит овлайдиган кема, кит овлаш кемаси.

КИТОБО́Й *м* 1 кит овловчи, кит овлаш кемаси ишчиси, ходими; 2 *то же, что* **китобо́ец.**

КИТОБО́ИН/ЫЙ, -ая, -ое кит овлашга (овига) оид; кит овлайдиган; кит овлаш...; **~ый про́мысел** кит овлаш саноати; **~ое су́дно** кит овлайдиган кема, кит овлаш кемаси; **~ая флоти́лия** кит овлаш флотилияси.

КИТО́ВЫЙ, -ая, -ое китга оид; кит...; **~ жир** кит ёғи; ✦ **~ус** кит мўйи (китларнинг оғзидаги мугиз пластинка).

КИТОЛО́В *м то же, что* **китобо́й.**

КИТОЛО́ВНЫЙ, -ая, -ое *то же, что* **китобо́йный.**

КИЧИ́ТЬСЯ *несов. кем-чем* ортиқ мақтанмоқ, кеккаймоқ, гердаймоқ; керилмоқ, мағрур (маст) бўлмоқ; **~ свои́ми зна́ниями** ўз билими билан кибрланмоқ; ўз билимига маст бўлмоқ; **~ перед мла́дшими** ўзидан кичиклар олдида гердаймоқ.

КИЧКА *ж, р. мн.* **-чек** кичка (1 эрли аёлларнинг байрам кунларида киядиган қадимги бош кийими; 2 дарё кемасининг тумшуғи).

КИЧЛИВО *нареч.* мақтанчоқлик билан, ғурур (кибр-ҳаво) билан, гердайиб; керилиб, кеккайиб, мағрур; **~ огляну́ться** қайрилиб мағрур қараб қўймоқ.

КИЧЛИВОСТЬ *ж* мақтанчоқлик, мағрурлик, гердайиш, керилиш; ғурур, кибр-ҳаво.

КИЧЛИ́ВЫЙ, -ая, -ое ўзига бино қўйган, кеккайган, гердайган; мақтанчоқ; кибр-ҳавоси баланд, мағрур; ~ взгляд кибр-ҳаво билан қараш, мағрур нигоҳ.

КИШ/ЕТЬ, -ши́т *несов.* 1 ғиж-ғиж қайнамоқ, бижирлаб ётмоқ, ғимирламоқ, ғужғон ўйнамоқ; **мура́вьи ~а́т в мурави́йнике** чумолилар уясида ғужғон ўйнамоқда; 2 *кемчем* тўлиб-тошмоқ, қайнамоқ; **база́рная пло́щадь ~и́т наро́дом** бозор одамлар билан тўлиб тошган, бозорда одам қайнаяпти; ✦ **кишмя́ ~е́ть** *см.* **кишмя́.**

КИШЕ́ЧНИК *м* ичаклар, ичак-човоқ.

КИШЕ́ЧНЫ/Й, -ая, -ое ичакка оид; ичак...; **~е заболева́ния** ичак касалликлари.

КИШК/А *ж, р. мн.* **-шо́к** 1 ичак; **двенадцатипе́рстная ~а́** ўн икки бармоқ ичак; **прямо́я ~а́** тўғри (қўтан) ичак; **слепа́я ~а́** кўричак; **то́лстая ~а́** йўғон ичак; **то́нкая ~а́** ингичка ичак; 2 *разг.* шланг, енг; **пожа́рная ~а́** ўт ўчирувчилар шланги; ✦ **~а́ тонка́** *у кого прост.* кучи етмайди, қўлидан келмайди, ичаги ингичкалик қилади; **выпустить ~и́** *прост.* чавоқламоқ, ичак-човоғини агдармоқ, ичак-човоғини салла қилиб кетмоқ; **(все) ~и́ вы́мотать** *кому прост.* тинкасини (силласини) қуритмоқ, ҳолдан тойдирмоқ; **надорва́ть ~и́ (со́ смеху)** *прост.* кулгидан ичаги узилгудай бўлмоқ; куласа-куласа ичаги узилмоқ.

КИШЛА́К *м, р.* **-а́** қишлоқ.

www.ziyouz.com kutubxonasi

КИШЛАЧН/ЫЙ, -ая, -ое қишлоққа оид; қишлоқ...; ~ая шко́ла қишлоқ мактаби; **~ый сове́т** қишлоқ совети.

КИШМИШ *м, р.* **-а́** кишмиш.

КИШМЯ *нареч.*: **~ кише́ть** *разг.* ғиж-ғиж қайнамоқ, қайнаб ётмоқ, ғужғон ўйнамоқ.

КИЯНКА *ж, р. мн.* **-нок** ёғоч болға, ёғоч тўқмоқ (дурадгорлик асбоби).

КЛАВЕСИ́Н *м* клавесин (фортепьянога ўхшаш қадимий чолғу асбоби).

КЛАВЕСИ́НН/ЫЙ, -ая, -ое клавесинга оид; клавесин учун белгиланган; клавесин...; **~ая му́зыка** клавесин мусиқаси; клавесин учун ёзилган музика.

КЛАВИАТУ́РА *ж* клавиатура (клавишлар мажмуи); **~ роя́ля** рояль клавиатураси; **~ пи́шущей маши́нки** ёзув машинкасининг клавиатураси.

КЛАВИКО́РД/Ы *мн.* клавикорд (клавишли қадимий чолғу асбоби); **игра́ть на ~ах** клавикорд чалмоқ.

КЛАВИ́Р *м муз.* клавир (1 клавишли чолғу асбобларининг умумий номи; 2 фортепьянога мослаб қайта ишланган партитура).

КЛАВИ́Ш *м* и **КЛАВИ́ША** *ж* клавиш (1 *муз.* пианино, рояль, баян каби чолғу асбобларининг бармоқ билан босиладиган тугмаси, пластинкаси; **~и роя́ля** рояль клавишлари; 2 турли машина ва механизмларнинг мас., ёзув машинкасининг бармоқ билан босиладиган тугмаси; **~и пи́шущей маши́нки** ёзув машинкасининг клавишлари).

КЛАВИ́ШНЫЙ, -ая, -ое клавишга оид; клавишли; клавиш...; **~ инструме́нт** клавишли асбоб.

КЛАД *м* 1 хазина, дафина (ерга кўмилган, яширилган бойлик); **найти́ ~** хазина (дафина) топмоқ; 2 *перен.* бебаҳо (баҳоси йўқ) нарса ёки киши; **не учи́тель, а ~** бу ўқитувчининг баҳоси йўқ; **э́та кни́га — по́длинный ~** бу китоб — бебаҳо хазина.

КЛАДБИ́ЩЕ *с* 1 қабристон, гўристон; 2 *перен. чего или какое* мозор (яроқсиз паровоз, вагон ва ш. к. турадиган жой).

КЛАДБИ́ЩЕНСК/ИЙ, -ая, -ое қабристонга оид; қабристондаги; қабристон... **~ая огра́да** қабристон кўраси (девори).

КЛАДЕЗЬ *м* 1 *уст. поэт.* қудуқ; 2 *перен. высок.* кон, макон, хазина; **~ иску́сства** санъат хазинаси; **~ му́дрости (или прему́дрости, учёности)** *шутл.* ақл кони; кони ақл (доно, билимдон киши ҳақида).

КЛА́ДКА *ж* 1 қуриш, уриш, териш; **~ стен** девор уриш (қуриш); 2 ғиштдан (ёки тошдан) қурилган нарса (мас., девор); **кирпи́чная ~** ғишт терилган (ғиштдан қурилган) девор; 3 териб (тахлаб) қўйилган нарса; тах, тахлам; **~ дров** ўтин тахи (тахлами); тахлаб (териб) қўйилган ўтин; 4 *обл.* яккачўп, ёлғизоёқ кўприк; 5 бичиш, ахта қилиш; ✦ **~ яи́ц** 1) тухум қўйиш (туғиш); 2) бостириб қўйилган (ёки қуш босиб ётган) тухумлар.

КЛАДОВА́Я *ж, р.* **-о́й** омбор, омборхона; **~ для проду́ктов** озиқ-овқат омбори; **инструмента́льная ~** асбоб-анжом омбори (завод ё фабрикада).

КЛАДО́ВКА *ж, р. мн.* **-вок** *разг.* кичкина омборхона, омборча.

КЛАДОВЩИ́К *м, р.* **-а́** омборчи.

КЛАДОВЩИ́ЦА *ж* омборчи аёл.

КЛАДОИСКА́ТЕЛЬ *м* хазина (дафина) қидирувчи.

КЛАДЬ *ж* 1 *собир.* багаж, юк; **ручна́я ~** қўл багажи, қўлдаги юк; 2 *обл.* узун (чўзиқ) ғарам, уюм; **~ пшени́цы** чўзиқ буғдой ғарами.

КЛА́КА *ж собир.* клакёрлар; *см.* **клакёр.**

КЛАКЁР *м* клакёр (буржуа мамлакатларида: ёлланма олқишчи ёки ёлланма ҳуштакбоз).

КЛАКСО́Н *м* клаксон (автомобиль, мотоцикл ва ш. к. да механик сигнал тури); **Нейстово ревя́ ~ами, мча́лись маши́ны** (Фадеев) Машиналар клаксонларини варанғлатиб елдай учиб борарди.

КЛАН *м* клан (қадимги ирландияликларда ва шотландияликларда: уруғ жамоаси; уруғ-аймоқлар).

КЛА́НЯТЬСЯ *несов.* 1 салом бермоқ; қуллуқ (таъзим) қилмоқ; **ни́зко ~** бош эгиб таъзим қилмоқ; **~ в по́ясе** икки букилиб салом бермоқ; **переста́ть ~** или **не ~** салом-аликни йиғиштирмоқ, саломлашмай қўймоқ; **я с ним не кла́няюсь** у билан салом-алигим (**борди-келдим**) йўқ; 3 салом айтмоқ, саломини етказмоқ; **кла́няйтесь отцу́** отангизга салом айтинг; 4 *перен. кому, перед кем* ялинмоқ; ёлвормоқ; ялвормоқ; ялтоқланмоқ; ўтиниб сўрамоқ; **~в но́жки** оёғини ўпиб илтижо қилмоқ, ёлвориб сўрамоқ; ялтоқланиб оёғига бош урмоқ; 5 *кому уст.* тортиқ (ҳадя) қилмоқ (кўнглини овлаш ёки ўзига оғдириш учун); ✦ **честь име́ю ~** *уст.* хайр, соғ бўлинг.

КЛАПА́Н *м* 1 *тех.* клапан (сув, ҳаво ёки буғ йўлини очиб-бекитиб турадиган деталь ёки қопқоқ); **~ кра́на** жўмрак клапани; **выпускно́й ~** чиқариш клапани; **всасывающий ~** сўриш клапани; 2 *муз.* клапан, тугмача (пуфлаб чалинадиган музика асбоби тешигини очиб-ёпиб турадиган тили, пардаси); **~ы фле́йты** флейта (най) клапанлари; 3 *анат.* клапан (юракнинг қон йўлини тўсувчи қисми); 4 қопқоқ (чўнтак қопқоғи); **карма́ны с ~ами** қопқоқли чўнтаклар.

КЛАПА́ННЫЙ, -ая, -ое клапанга оид; клапанли, қопқоқли; клапан...; қопқоқ...

КЛАРНЕ́Т *м муз.* кларнет (сурнайга ўхшаш музика асбоби).

КЛАРНЕТИ́СТ *м* кларнетчи, кларнет чалувчи созанда.

КЛАСС I *м* синф (синфий жамиятда); **рабо́чий ~** ишчилар синфи; **~ капитали́стов** капиталистлар синфи; **антагонисти́ческие ~ы** антагонистик синфлар (манфаатлари бир-бирига зид бўлган, бир-бирига муросасиз синфлар); **борьба́ ~ов** синфлар кураши.

КЛАСС II *м* 1 *биол.* синф, туркум; **~ земново́дных** сувда ва қуруқда яшовчилар синфи; **~ млекопита́ющих** сут эмизувчилар синфи; 2 *мат.* синф; **пе́рвый ~ составля́ют едини́цы, деся́тки, со́тни** бирликлар, ўнликлар, юзликлар биринчи синфни ташкил қилади; 3 *мор.* класс (кемаларнинг типига кўра айрим хиллари); **~ су́дна** кема класси; **кора́бль второ́го ~а** иккинчи класс кемаси; 4 *ж.-д., мор.* класс (пассажирлар вагони ва каюталарининг қулайлик даражасига кўра турлари); **ваго́н пе́рвого ~а** биринчи класс вагон(и); **каю́та второ́го ~а** иккинчи класс каюта(си); **е́хать пе́рвым ~ом** биринчи классда бормоқ (кетмоқ); 5 синф (мактабларда); **учени́к пе́рвого ~а** биринчи синф ўқувчиси; **деся́тый ~** ўнинчи синф; 6 синф (дарс ўтиладиган хона); **прове́трить ~** синфни шамоллатмоқ; 7 класс, дарс (махсус ўқув юртларида ўтиладиган фан тури ва шу фан бўйича дарс); **~ роя́ля** рояль класси, рояль дарси; **~ жи́вописи** рассомлик класси; рассомлик дарси; 8 *уст.* ўқув соати, дарс; **~ начался́** ўқув соати бошланди; дарс бошланди; 9 *мн.* **~ы** сополак, чертак (ерни катак-катак чизиб, сополакни катакдан-катакка ҳаккалаб тепиб ўтказиб ўйналадиган болалар ўйини); 10 нав, тур; маҳорат, даража, класс; **това́ры вы́сшего ~а** олий нав моллар; **игра́ высо́кого ~а** юқори даражада маҳоратли ўйин; **показа́ть ~** *разг.* маҳорат кўрсатмоқ; 11 класс, даража, разряд; **пило́т второ́го ~а** иккинчи класс учувчиси; **чино́вники девя́того ~а** *уст.* тўққизинчи класс(ли) амалдорлар (чор ҳукумати даврида).

КЛАССИ́К *м* классик (1 ўз соҳасида ўрнак бўлган ва умум эътироф этган машҳур ёзувчи, шоир ёки фан, санъат арбоби); **~и маркси́зма-ленини́зма** марксизм-ленинизм классиклари; **~и узбе́кской литерату́ры** ўзбек адабиёти классиклари; 2 классицизм тарафдори ёки намояндаси; 3 юнон ва латин философияси бўйича мутахассис).

КЛАССИ́КА *ж собир.* классик асарлар, классика; **узбе́кская ~** ўзбек классик асарлари.

КЛАССИФИКА́ТОР *м* классификатор (1 классификация қилувчи, классификация билан шуғулланувчи мутахассис; 2 донадор нарсаларни сараловчи аппарат).

КЛАССИФИКАЦИО́ННЫЙ, -ая, -ое классификацияга оид; классификацион, классификациялаш...; таснифлаш...; классификация...; таснифий...; **~ая схе́ма** классификацион схема, классификация схемаси.

КЛАССИФИКА́ЦИЯ *ж* классификациялаш, классификация қилиш, таснифлаш; классификация, таснифий; **~ ру́дных ископа́емых** руда қазилмаларини классификация қилиш (таснифлаш); руда қазилмалар классификацияси (таснифи); **~ языко́в** тилларни классификация (таснифий) қилиш; тиллар классификацияси (таснифи).

www.ziyouz.com kutubxonasi

КЛАССИФИЦИ́РОВАНИЕ *с по гл.* **классифици́ровать.**

КЛАССИФИЦИ́РОВАТЬ *сов.* и *несов. кого-что* классификацияламоқ; классификация (тасниф) қилмоқ; ~ **поня́тия** тушунчаларни таснифламоқ; ~ **насеко́мых** ҳашаротларни таснифламоқ.

КЛАССИЦИ́ЗМ *м* классицизм (1 17—19 аср бошларидаги адабиёт ва санъатда: юнон ва латин адабиёти ва санъати намуналарига тақлид қилувчи оқим; 2 юнон ва латин тилларини ва маданиятини ўргатишга асосланган ўқитиш системаси).

КЛАССИ́ЧЕСК/ИЙ, -ая, -ое 1 классикага мансуб бўлган, классиклар яратган, классик, ўрнакли; ~**ая му́зыка** классик музика; **ру́сская** ~**ая литерату́ра** рус классик адабиёти; ~**ий репертуа́р** классик асарлардан тузилган репертуар; 2 ажойиб, энг характерли, намуна бўла оладиган, мукаммал; ~**ое определе́ние** ажойиб таъриф; мукаммал таъриф; ~**ая формулиро́вка** ажойиб формулировка; ~**ий приме́р** энг характерли мисол; ~**ий пейза́ж** ажойиб (антиқа) манзара; 3 классицизмга оид юнон ва латин ёзувчилари ёки рассомларига хос бўлган, классик; ~**ая траге́дия** классик трагедия; 4 антик дунёга оид, латин ва юнон маданияти билан боғланган; классик, антик; ~**ие языки́** антик дунё тиллари (юнон ва латин тиллари); ~**ая филоло́гия** классик филология (юнон ва латин тиллари филологияси); 5 антик дунё ҳайкалларини эслатадиган, тузилиши тўғри, чиройли, антик; ~**ое лицо́** чиройли (антик) юз; тўғри юз тузилиши; ✦ ~**ое образова́ние** классик маълумот (антик тилларни ўргатишга асосланган таълим-тарбия); ~**ая гимна́зия** *уст.* классик гимназия (юнон ва латин тиллари ўқитиладиган ўрта мактаб).

КЛА́ССН/ЫЙ, -ая, -ое 1 синфга (мактабдаги синфга) оид; синф...; ~**ый руководи́тель** синф раҳбари; ~**ая доска́** синф доскаси; 2 *в знач. сущ.* ~**ая** *ж уст.* дарсхона, синф; 3 классли, разрядли; ~**ая я́хта** классли яхта; 4 машқи етишган, етук, моҳир, уста; ~**ый игро́к** етук (моҳир, уста) ўйинчи; ~**ый танцо́р** моҳир раққос; 5 бирор даражадаги амали бўлган, унвонга эришган; ~**ый чино́вник** бирор даражаси бўлган амалдор; ✦ ~**ая да́ма** мураббия (хотинқизлар мактабининг, гимназиясининг тарбиячиси).

КЛА́ССОВОСТЬ *ж* синфийлик; ~ **литерату́ры** адабиётнинг синфийлиги.

КЛА́ССОВ/ЫЙ, -ая, -ое синфий; ~**ая борьба́** синфий кураш; ~**ые противоре́чия** синфий қарама-қаршиликлар.

КЛАСТЬ, кладу́, кладёшь *несов.* 1 (*сов.* **положи́ть**) *кого-что* қўймоқ, солмоқ, жойламоқ; ётқизмоқ; ~ **де́ньги в кошеле́к** пулни киссага солмоқ; ~ **бельё на по́лку** кирларни токчага тахламоқ; ~**в сейф** сейфга солиб қўймоқ; 2 (*сов.* **положи́ть**) *кого-что* топширмоқ, жойлаштирмоқ, қўймоқ; ~ **в больни́цу** касалхонага жойлаштирмоқ; 3 *что* суртмоқ, суркамоқ; қўймоқ; ~ **грим** грим қилмоқ; ~ **кра́ски** бўёқ суртмоқ, бўямоқ; 4 *что* қўймоқ, босмоқ, урмоқ; ~ **штамп на письмо́** хатга штамп қўймоқ (босмоқ); ~ **печа́ть** муҳр босмоқ, печать урмоқ; 5 (*сов.* **положи́ть**) *что* солмоқ; қўшмоқ, аралаштирмоқ; ~ **соль в суп** шўрвага туз солмоқ; 6 (*сов.* **положи́ть**) *что* сузмоқ (овқатни); ~ **плов** паловни сузмоқ; 7 (*сов.* **сложи́ть**) *что* қурмоқ, тикламоқ, урмоқ; ~ **фунда́мент** фундамент қурмоқ; ~ **дом** уй қурмоқ, уй солмоқ; ~ **сте́ну** девор урмоқ (қурмоқ); 8 (*сов.* **положи́ть**) *перен. что* бермоқ, сарфламоқ, сафарбар қилмоқ; ~ **все уси́лия на...** бутун кучни ...га (учун) сарфламоқ (сафарбар қилмоқ); бор кучни ...га бермоқ; 9 айрим отлар билан келиб уларда ифодаланган иш-ҳаракатни амалга оширишни билдиради; ~ **коне́ц** *чему-л.* чек қўймоқ, тугатмоқ, бас қилмоқ; ~ **нача́ло** *чему-л.* бошлаб бермоқ; ~ **основа́ние** асос солмоқ; ✦ ~ **го́лову** (или **жизнь, живо́т**) ўзини қурбон қилмоқ, жонини фидо қилмоқ, жонини бермоқ; ~ **ду́шу** бутун вужуди билан берилмоқ, ҳамма кучини сарф қилмоқ; ~ **зу́бы на по́лку** қозонни сувга ташламоқ; ~ **на бума́гу** *уст.* қоғозга туширмоқ, ёзмоқ; ~ **на му́зыку** (или **на но́ты**) мусиқага солмоқ; нотага олмоқ; ~ **на о́бе лопа́тки** *см.* **лопа́тка**; ~ **под сукно́** *см.* **сукно́**; ~ **ору́жие** қуролни ташламоқ, таслим бўлмоқ; ~(**земны́е**) **поклоны** бош эгиб таъзим қилмоқ, сажда қилмоқ; ~ **я́йца** тухум қўймоқ; ~ **пятно́** *на кого* **дог** туширмоқ; иснод келтирмоқ.

КЛАСТЬСЯ, кладётся *несов.* 1 *обл.* тухум туғмоқ, тухум қилмоқ; 2 *страд. от* **класть.**

КЛАУЗУЛА *ж* клаузула (1 *юр.* шартнома, васиятнома ва ш. к. да алоҳида кўрсатилган шарт, писанда; 2 нутқнинг талаффуз ва услубига алоҳида эътибор берилган охирги қисми, якуни; 3 *лит.* шеърнинг охирги қисми, мисранинг охирги бўғинлари).

КЛЁВ *м* алдаш; қармоққа илиниш (балиқ ҳақида); ~**а нет** балиқ алдамаяпти; балиқ қармоққа илинмаяпти.

КЛЕВА́ТЬ, клюю́, клюёшь *несов.* 1 (*сов.* **клю́нуть**) *что* чўқилаб емоқ, чўқиламоқ; 2 (*сов.* **клю́нуть**) *кого-что* чўқимоқ, чўқиламоқ, тумшуғи билан урмоқ; 3 (*сов.* **клю́нуть**) алдамоқ; қармоққа илинмоқ; **сего́дня ры́ба пло́хо клюёт** бугун балиқ қармоққа оз илиняпти; 4 (*сов.* **клю́нуть**) *перен. разг.* ўнгмоқ, ўнгидан келмоқ, унмоқ; 5 *перен. разг.* уришмоқ, чўқимоқ; ✦ ~ **но́сом** бошини осилтириб мудрамоқ, пинакка кетмоқ; **де́нег ку́ры не клюю́т** *у кого* пули жуда кўп, пул ачиб ётибди, пулни маймун ҳам емайди.

КЛЕВА́ТЬСЯ, клюётся *несов.* 1 чўқимоқ, тумшуғи билан урмоқ; **наседка бо́льно клюётся** курк товуқ қаттиқ чўқийди; 2 чўқишмоқ, бир-бирини чўқимоқ; **петухи́ клюю́тся** хўрозлар чўқишмоқда.

КЛЕ́ВЕР *м* беда, йўнғичқа.

КЛЕВЕРИ́ЩЕ *с* бедапоя, бедазор; бедадан бўшаган ер.

КЛЕВЕРН/ЫЙ, -ая, -ое бедага, йўнғичқага оид; беда...; йўнғичқа...; ~**ое по́ле** бедапоя, бедазор; ~**ые семена́** беда уруғи.

КЛЕВЕ́Т/А *ж* туҳмат, бўҳтон; ғийбат; ёлғон-яшиқ, уйдирма; **зло́стная** ~**а́** ашаддий туҳмат, қип-қизил бўҳтон; ғирт ёлғон; **пресе́чь** ~**у́** туҳмат гапларга (уйдирмаларга) чек қўймоқ.

КЛЕВЕТА́ТЬ, -ещу́, -е́щешь *несов.* (*сов.* **наклевета́ть**) *на кого* и *без доп.* туҳмат қилмоқ, бўҳтон қилмоқ, ғийбат қилмоқ.

КЛЕВЕТНИ́К *м, р.* **-а́** туҳматчи, бўҳтончи; ғийбатчи.

КЛЕВЕТНИ́ЦА *ж см.* **клеветни́к.**

КЛЕВЕТНИ́ЧЕСК/ИЙ, -ая, -ое туҳмат қилиб айтилган, туҳматдан (бўҳтондан) иборат бўлган, бўҳтон, ёлғон, уйдирма; ~**ие измышле́ния** ёлғон-яшиқ уйдирмалар, туҳмат қилиб айтилган гаплар; ~**ое обвине́ние** туҳмат қилиб айблаш; бўҳтон билан айблаш.

КЛЕВО́К *м, р.* **-вка́** чўқиш, тумшуғи билан уриш.

КЛЕВРЕ́Т *м книжн.* ҳамтовоқ, шерик, малай, дум, тарафдор.

КЛЕЕВА́Р *м* елимпаз.

КЛЕЕВАРЕ́НИЕ *с* елимпазлик, елим тайёрлаш, елим пиширш.

КЛЕЕВАРЕННЫЙ, -ая, -ое елим пиширишга, елимпазликка оид; елимпазлик...; ~ **заво́д** елимпазлик заводи.

КЛЕЕВА́РНЫЙ, -ая, -ое *то же, что* **клеева́ренный.**

КЛЕЕВ/О́Й, -а́я, -о́е 1 елимга оид; елим..; ~**о́й за́пах** елим ҳиди; 2 елимли, елимда (елим қўшиб) қилинган, тайёрланган; ~**а́я кра́ска** елимли бўёқ; елим қўшилган бўёқ.

КЛЕЁНКА *ж, р. мн.* **-нок** клеёнка; **де́тская** ~ йўргак клеёнкаси; **компре́ссная** ~ компресс клеёнкаси (компресс учун ишлатиладиган юпқа клеёнка).

КЛЕЁНОЧН/ЫЙ, -ая, -ое клеёнкага оид; клеёнка...; ~**ое произво́дство** клеёнка ишлаб чиқариш.

КЛЕЁНЧАТ/ЫЙ, -ая, -ое клеёнкадан қилинган; клеёнка қопланган; клеёнка...; ~**ый плащ** клеёнка плашч; ~**ый дива́н** клеёнка қопланган диван; ~**ая тетра́дь** клеёнка муқовали дафтар.

КЛЕЁН/ЫЙ, -ая, -ое *спец.* и *разг.* 1 елимланган, елим суртилган, елим сингдирилган; елимли; ~**ая бума́га** елимли қоғоз, елим-қоғоз; 2 елимлаб ёпиштирилган (уланган); елимлаб қилинган; ~**ая фане́ра** елимлаб қилинган фанера.

КЛЕЙЛЬНЫЙ, -ая, -ое *спец.* елимлашга оид, елимлайдиган, елимловчи, елимлаш...; ~ **стано́к** елимлаш станоги.

КЛЕ́ИТЬ *несов.* 1 (*сов.* **скле́ить**) *что* елимламоқ, елимлаб маҳкамламоқ (бириктирмоқ, уламоқ); елимлаб ясамоқ; ~ **паке́ты** елимлаб пакетлар ясамоқ; 2 (*сов.* **накле́ить**) *что* елимлаб ёпиштирмоқ; ~**афи́ши** афишаларни елимлаб ёпиштирмоқ; 3 *без доп. разг.* ёпишмоқ; ёпиштирмоқ; **кле́йстер пло́хо кле́ит** сирач яхши ёпиштирмаяпти (яхши ёпиштирмас экан).

www.ziyouz.com kutubxonasi

КЛЕ́ИТЬСЯ, кле́ится *несов.* 1 *разг.* ёпишмоқ, ёпишиб (ёпишқоқ бўлиб) қолмоқ; **па́льцы кле́ятся от смолы́** смоладан бармоқлар ёпишиб қолялти; 2 ёпишмоқ; **карто́н пло́хо кле́ится** картон яхши ёпишмайди (ёпишмаяпти); 3 *перен. разг.* ўнгмоқ, унмоқ, ўнгидан келмоқ, юришмоқ, тўғриланмоқ, эпақага (эпга) келмоқ, қовушмоқ, жўнашмоқ, чиқмоқ; **де́ло что́-то не кле́ится** негадир иш юришмаяпти (қовушмаяпти, чиқмаяпти); **у нас с ним не кле́ится** у билан ҳеч иш чиқмаяпти; 4 *страд. от* **кле́ить.**

КЛЕЙ *м* елим, сирач; **канцеля́рский** ~ канцелярия елими; **расти́тельный** ~ ўсимлик елими; **синтети́ческий** ~ синтетик елим; **столя́рный** ~ дурадгорлик елими, қора елим.

КЛЕ́ЙКА *ж по гл.* **кле́ить**; ~ **игру́шек** ўйинчоқларни елимлаш; елимлаб ўйинчоқлар ясаш.

КЛЕ́ЙК/ИЙ, -ая, -ое; кле́ек, кле́йка ёпишқоқ, елимшиқ, ширадор; ~**ая ма́сса** ёпишқоқ (елимшиқ) масса; ~**ий сиро́п** ёпишқоқ (ширадор) сироп.

КЛЕЙКОВИ́НА *ж* клейковина (дон таркибида бўладиган оқсил модда).

КЛЕ́ЙКОСТЬ *ж* ёпишқоқлик, ширадорлик; ~ **смолы́** смоланинг ёпишқоқлиги.

КЛЕЙМЁННЫЙ, -ая, -ое *прич. от* **клейми́ть**; ~ **желе́зом** темир қиздириб тамғаланган.

КЛЕЙМЁН/ЫЙ, -ая, -ое 1 тамғаланган, тамға босилган (урилган); та́мғали; ~**ый ско́т** тамғаланган (тамға босилган) мол; 2 *в знач. сущ.* ~**ый** *м уст.* жиноятчи; каторгада (сургунда) бўлган киши.

КЛЕЙМИ́ТЬ, -млю́, -ми́шь *несов. кого-что* 1 тамғаламоқ, тамға босмоқ (урмоқ, солмоқ); ~ **теля́т** бузоқларни тамғаламоқ, бузоқларга тамға босмоқ; ~ **ги́ри** қадоқ тошларни тамғаламоқ; 2 (*сов.* **заклейми́ть**) *перен.* лаънатламоқ, лаънат ўқимоқ, нафрат билдирмоқ, қораламоқ; ~ **изме́нника** хоинни лаънатламоқ, хоинга лаънат ўқимоқ; ~ **позо́ром** лаънат ўқимоқ, шармандаи шармисор қилмоқ, шармандасини чиқармоқ.

КЛЕЙМО *с, мн.* **кле́йма** 1 тамға, белги; **заводско́е** ~ завод тамғаси; ~ **на лошадя́х** отларга босилган тамға; 2 тамға (асбоб); 3 *перен. чего* или *какое* тамға, асар, доғ; ~ **бесслáвия** бадномлик асари; ~ **позо́ра** шармандалик тамғаси; **смыть** ~ **позо́ра** шармандалик доғини ювмоқ.

КЛЕЙМОВЩИК *м* тамға босувчи, тамғаловчи; ~ **скота́** молларни тамғаловчи (мэлларга тамға босувчи) ишчи.

КЛЕ́ЙСТЕР *м* сирач, крахмал (ёки ун) елими; **мучно́й** ~ ун сирачи.

КЛЕКОТ *м* қурқурлаш, қирқирлаш, қичқириқ (баъзи йиртқич қушлар овози ҳақида); ~ **орла́** бургутнинг қирқираши.

КЛЕКОТА́ТЬ, -о́чет *несов.* қурқурламоқ, қирқирамоқ, қичқирмоқ (йиртқич қушлар ҳақида).

КЛЕКТА́ТЬ, кле́кчет *несов. то же, что* **клекота́ть.**

КЛЕММ/А *ж* клемма, қисқич; ~**а предохрани́теля** сақлагич клеммаси; ~**ы аккумуля́тора** аккумулятор клеммалари (қисқичлари).

КЛЁН *м* заранг (дарахт).

КЛЕНОВ/ЫЙ, -ая, -ое заранг дарахтига оид, заранг ёғочидан қилинган; заранг...; ~**ая доска́** заранг тахта; ~**ая алле́я** заранг дарахтлари ўтқазилган хиёбон.

КЛЕПА́ННЫЙ, -ая, -ое *прич. от* **клепа́ть** I.

КЛЕПА́ЛЬНЫ/Й, -ая, -ое парчинлайдиган; парчинлаш...; ~**е рабо́ты** парчинлаш ишлари; ~**й молото́к** парчинлаш болғаси.

КЛЕПА́ЛЬЩИК *м* парчинловчи ишчи.

КЛЁПАННЫЙ, -ая, -ое *прич. от* **клепа́ть** I.

КЛЁПАНЫ/Й, -ая, -ое парчинланган; парчинлаб (михпарчин билан) уланган, ясалган; ~**е тру́бы** парчинланган (парчинлаб уланган) трубалар; ~**й бак** парчинлаб ясалган бак.

КЛЕПА́ТЬ I, -а́ю, -а́ешь и **клеплю́, кле́плешь** *несов. что* 1 парчинламоқ; михпарчин билан уламоқ (бириктирмоқ, маҳкамламоқ); 2 четларини қайириб уламоқ; 3 пешламоқ, термоқ; ~ **кетме́нь** кетмонни пешламоқ; ~ **ко́су** белўроқни (чалғини) пешламоқ.

КЛЕПА́ТЬ II, клеплю́, кле́плешь *несов.* (*сов.* **наклепа́ть**) *на кого* и *без доп. прост.* туҳмат қилмоқ, бўҳтон қилмоқ, иғво қилмоқ, уйдирма (ёлғон-яшиқ гап) тарқатмоқ.

КЛЁПК/А *ж, р. мн.* **-ок** 1 *по гл.* **клепа́ть** I; **ручна́я** ~**а** қўлда парчинлаш; **маши́нная** ~**а** машинада парчинлаш; ~**а котла́** қозон парчинлаш; парчинлаб улаб буғ қозон ясаш; 2 буюмларнинг парчинланган (парчинлаб уланган) жойи; 3 *спец.* бочка тахтаси; ✦ **недостаёт (или не хвата́ет)** ~**и (одно́й) в голове́** *у кого прост.* бир винти етишмайди, тентакроқ, думбулроқ.

КЛЁПОЧН/ЫЙ, -ая, -ое парчинлайдиган; парчинлаш...; ~**ый инструме́нт** парчинлаш асбоби; 2 бочка тахтаси ишлаб чиқарадиган; ~**ая мастерска́я** бочка тахтаси ишлаб чиқарадиган устахона.

КЛЕПСИ́ДРА *ж* клепсидра (сув соати).

КЛЕПТОМАН *м* клептоман (клептомания касалига йўлиққан киши).

КЛЕПТОМА́НИЯ *ж* клептомания (ўғирликка мойилликдан иборат руҳий касаллик).

КЛЕПТОМА́НКА *ж, р. мн.* **-нок** *см.* **клептома́н.**

КЛЕРИКАЛ *м* клерикал, клерикализм тарафдори; клерикаллар партиясининг аъзоси.

КЛЕРИКАЛИ́ЗМ *м* клерикализм (мамлакатнинг сиёсий ва маданий ҳаётида черков таъсирини кучайтиришга қаратилган реакцион оқим).

КЛЕРИКА́ЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое клерикализмга ва клерикалларга оид; клерикализм руҳидаги; клерикал...; ~**ая па́ртия** клерикал партия; клерикаллар партияси.

КЛЕРК *м* клерк (1 баъзи мамлакатларда: ёзув-чизув ишларини олиб борадиган кичик хизматчи; 2 ўрта асрларда Франция ва Англияда: руҳоний).

КЛЁСТ *м, р.* **клеста́** тўқайчумчуқ.

КЛЕ́ТК/А *ж, р. мн.* **-ток** 1 қафас; катак, каталак; **пти́чья** ~**а** қуш қафаси; 2 катак; **си́тец в** ~**у** катак гулли (катак-катак) чит; ~**и ша́хматной доски́** шахмат тахтасининг катаклари; **тетра́дь в** ~**у** катак (катак-катак) дафтар; 3 катак-катак тах; **сложи́ть до́ски** ~**ой (или в** ~**у)** тахталарни катак-катак қилиб тахламоқ; 4 *биол.* ҳужайра; **не́рвные** ~**и** нерв ҳужайралари; **живо́тные** ~**и** ҳайвон ҳужайралари; **расти́тельные** ~**и** ўсимлик ҳужайралари; ✦ **грудна́я** ~**а** *анат.* кўкрак қафаси; **ле́стничная** ~**а** зина хонаси (катта биноларда).

КЛЕ́ТОЧКА *ж, р. мн.* **-чек** 1 *уменьш.-ласк. от* **кле́тка** 1, 2; *то же, что* **кле́тка** 4.

КЛЕ́ТОЧН/ЫЙ, -ая, -ое 1 ҳужайрага оид; ҳужайра...; ~**ое ядро́** ҳужайра ядроси; ~**ое строе́ние** ҳужайра тузилиши; 2 қафасга оид; қафас...

КЛЕТУ́ШКА *ж, р. мн.* **-шек** 1 кичкина қафас, қафасча; 2 *разг.* тор уй (хона), уйча, каталак.

КЛЕТЧА́ТКА *ж* 1 клетчатка, целлюлоза; 2 *уст. биол.* бириктирувчи тўқима.

КЛЕ́ТЧАТ/ЫЙ, -ая, -ое 1 катак гулли, катак-катак; ~**ый узо́р** катак гул; ~**ое пальто́** катак-катак (катак гулли) пальто; 2 *биол.* ҳужайралардан тузилган; ҳужайрали; ҳужайра...; ~**ое строе́ние организ́ма** организмнинг ҳужайрали (ҳужайра) тузилиши.

КЛЕТЬ *ж* 1 *обл.* ҳужра, қазноқ; 2 *горн.* клеть (шахта лифтларининг бир тури).

КЛЁЦК/И *мн., р.* **-цек** (*ед.* **клёцка** *ж*) узма, пилак, пилакча; **суп с** ~**ами** узма ош, пилак ош.

КЛЁШ *м* клёш (карнай бичиқ); **широ́кий** ~ кенг клёш, кенг карнай бичиқ; **брю́ки** ~ клёш шим (карнай бичиқ шим); **ю́бка** ~ клёш юбка (карнай бичиқ юбка).

КЛЕШНЯ *ж* панжа, чангал (қисқичбақа, краб ва бошқа баъзи жониворларда).

КЛЕЩ *м, р.* **-а́** кана, жўлак.

КЛЕЩЕВИ́НА *ж* канакунжут.

КЛЕЩЕВИ́ННЫЙ, -ая, -ое канакунжутга оид; канакунжут...; ~ **жмых** канакунжут кунжараси.

КЛЁЩИ и **КЛЕЩИ́** *мн., р.* **-е́й** 1 каж омбур, қисқич; **кузне́чные** ~ темирчи (лик) каж омбури; **столя́рные** ~ дурадгор(лик) каж омбури; 2 клешчи (икки ёндан сиқув, қуршов); **брать (взять) проти́вника в** ~ душманни икки томондан қуршовга олмоқ (икки томондан сиқиб келмоқ); ✦ **клеща́ми тащи́ть** (или **вытя́гивать**) *из кого* (сло́во, отве́т, призна́ние и т. п.) зўрлаб (зўрға) гапиртирмоқ; аранг сўзини олмоқ; **клеща́ми не вытя́нешь** (или **не вытащить** и т. п.) *чего* сира гапиртириб бўлмайди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

КЛИВЕР *м мор.* **кливер (кеманинг олдинги қисмидаги** учбурчак елкан).

КЛИЕ́НТ *м* 1 клиент (қадимги Римда: чала ҳуқуқли, яъни патронга қарам бўлган фуқаро); 2 клиент (адвокат, нотариус ёки бирор муассаса хизматидан фойдаланувчи шахс); **адвока́т и его́ ~ы** адвокат ва унинг клиентлари; **~ы сберка́ссы** омонат касса клиентлари; 3 мижоз (харидор, буюртмачи ва ҳ. к.); **всегда́шние ~ы магази́на** магазиннинг доимий мижозлари.

КЛИЕНТУ́РА *ж собир.* клиентлар, мижозлар; **~ врача́** врач клиентлари; **~ ба́нка** банк клиентлари.

КЛИЕНТУ́РНЫ/Й, -ая, -ое клиентларга, мижозларга оид; клиентлар...; мижозлар...; **~е поруче́ния** клиент (мижоз)ларнинг топшириқлари.

КЛИЗМ/А *ж* клизма, ҳуқна; **поста́вить ~у** клизма қўймоқ, ҳуқна қилмоқ; **рези́новая ~а** резина клизма.

КЛИ́К *м* 1 *высок.* чақириқ, нидо, хитоб, овоз, товуш, қийқириқ; **ра́достный ~** шодиёна қийқириқ; **приве́тственные ~и** саломлашув (ёки табрик) нидолари; 2 қичқириқ, қийқириқ, қариллаш, қуриллаш, қар-қур; **журавли́ный ~** турналарнинг қар-қури.

КЛИ́КА *ж* ёмон ниятли тўда, гала, гуруҳ, нияти бузуқ кишилар; **фаши́стская ~** фашистлар галаси; **придво́рная ~** нияти бузуқ сарой аъёнлари.

КЛИ́КАТЬ, кли́чу, кли́чешь *несов.* 1 (*сов.* кли́кнуть) *кого прост.* чақирмоқ; **~ на по́мощь** ёрдамга чақирмоқ; **~ кур** товуқларни чақирмоқ (беҳ-беҳламоқ); 2 *кого обл.* атамоқ, номламоқ; **как его́ кли́чут?** унинг оти нима?; 3 қийқирмоқ, қичқирмоқ, қарилламоқ, қурилламоқ, қар-қур қилмоқ (қушлар ҳақида); **ле́беди кли́чут** оққушлар қийқирмоқда (қар-қур қилмоқда); 4 *обл.* жазаваси тутиб бақирмоқ, қичқирмоқ, дод-вой солмоқ.

КЛИКУ́Ш/А *ж* 1 тутқаноқ аёл; жазаваси (ёки тутқаноғи) тутиб турадиган бақироқ аёл; 2 *ж* и *м перен.* шаллақи, лўли, бақироқ (оғиз кўпиртирадиган сиёсатбозлар, журналистлар ва ҳ. к. ҳақида); **беснующиеся ~и из буржуа́зных газе́т** буржуа газеталарининг шаллақи сиёсатбозлари.

КЛИКУ́ШЕСКИ/Й, -ая, -ое 1 тутқаноқли, жазавали; тутқаноғи (жазаваси) тутиб турадиган; тутқаноқ...; **~е припа́дки** тутқаноқ (жазава) тутиши; 2 *перен.* шаллақиларча (лўлиларча) оғиз кўпиртирадиган, айюҳаннос соладиган, бақироқ; **~е призывы к войне́** оғиз кўпиртириб урушга даъват этиш.

КЛИКУ́ШЕСТВО *с* 1 жазаваси (ёки тутқаноғи) тутиб бақириш, бақироқлик (аёлларда); 2 *перен.* бақироқлик, лўлилик, оғиз кўпиртириш

КЛИМА́КС *м то же, что* **климакте́рий.**

КЛИМАКТЕ́РИЙ *м мед.* климактерий (аёлларда жинсий безлар фаолиятининг, ҳайз кўришнинг тўхтай бориш даври).

КЛИМАКТЕРИ́ЧЕСКИЙ, -ая, -ое *мед.* климактерий билан боғлиқ бўлган; климактерий...; **~ во́зраст** климактерий ёши; **~ пери́од** климактерий даври.

КЛИ́МАТ *м* иқлим; **жа́ркий ~** иссиқ иқлим; **уме́ренный ~** мўътадил иқлим; **континента́льный ~** континентал иқлим, қуруқлик иқлими; **морско́й ~** денгиз иқлими.

КЛИМАТИ́ЧЕСКИ/Й, -ая, -ое иқлимга оид, иқлимий; иқлим...; **~е пояса́** иқлим минтақалари; **~е усло́вия** иқлимий шароитлар, иқлим шароитлари.

КЛИМАТО́ЛОГ *м* климатолог, иқлимшунос.

КЛИМАТОЛОГИ́ЧЕСКИЙ, -ая, -ое климатологияга, иқлимшуносликка оид; климатологик; иқлимшунослик...; климатология...; **~ институ́т** климатология (иқлимшунослик) институти.

КЛИМАТОЛО́ГИЯ *ж* климатология, иқлимшунослик (иқлим турларини, уларнинг юзага келиши ва таъсирини ўрганувчи фан).

КЛИН *м, мн.* **-нья** 1 пона; **деревя́нный ~** ёғоч пона; **загна́ть в бревно́ ~** ёғочга пона қоқмоқ; 2 қийиқ; оғ; қулфак; **вшить ~ в ю́бку** юбкага қийиқ солмоқ; 3 *перен.* клин, пона (душман сафларини ёриб киришга қаратилган операция); 4 *в знач. нареч.* **~ом** пона (учбурчак) шаклида; **поля́на, вре́завшаяся в лес ~ом** ўрмонга учбурчак шаклида ёриб кирган яланглик; **борода́ ~ом** чўққисоқол; 5 *с.-х.* бир мавсумда экиладиган ёки бирор белгиси билан ажралиб турадиган ер бўлаги; **зими́ый ~** кузги экин ери; **ярово́й ~** баҳори экин ери; ✦ **~ом не вы́шибешь** пона уриб ҳам чиқариб бўлмайди, илдизи маҳкам, маҳкам ўрнашиб олган; **клин клино́м вышиба́ют** *погов.* аччиқни аччиқ кесади; **куда́ ни кинь — всё (или всю́ду) ~** *погов.* ови юрса ҳам, дови юрмайди ҳамма ёқ — тўғаноқ; **свет не ~ом сошёлся** или **земля́ не ~ом сошла́сь** *на ком-чём погов.* 1) дунё кенг, у бўлмаса, бошқаси; 2) яна бир йўли (иложи) топилиб қолар.

КЛИ́НИКА *ж* клиника (касалларни даволаш билан бирга ўқув ва илмий-текшириш ишлари ҳам олиб бориладиган касалхона); **онкологи́ческая ~** онкология клиникаси.

КЛИНИЦИ́СТ *м* клиницист, клиника врачи.

КЛИНИ́ЧЕСКИ/Й, -ая, -ое 1 клиникага оид; клиникадаги, клиника...; **~е усло́вия** клиника шароити; 2 клиникада олиб бориладиган, клиникада қилинадиган; клиник; **~е иссле́дования** клиник тадқиқот; **~й ана́лиз кро́ви** қонни клиникада текшириш (анализ қилиш).

КЛИ́НКЕР *м* клинкер, тошкол (1 ўтга, сувга чидамли, қуйиб пишган ғишт; 2 куйдириб тошга айлантирилган цемент).

КЛИНКЕРН/ЫЙ, -ая, -ое клинкерга оид; клинкердан қурилган; клинкер...; **~ый заво́д** клинкер заводи; **~ая мостова́я** клинкер йўл, клинкер тўшалган (ётқизилган) йўл.

КЛИНКО́В/ЫЙ, -ая, -ое тиғга оид; тиғ (шамшир) ясаладиган, тиғбоп; **~ая сталь** тиғ (шамшир) ясаладиган пўлат.

КЛИНОВИ́ДНЫЙ, -ая, -ое; -ден, -дна понасимон, понага ўхшаш; **~ лист** понасимон барг, понабарг.

КЛИНО́К *м, р.* **-нка́** 1 тиғ, дам, юз; **~ са́бли** қиличнинг тиғи (дами); 2 қилич, шамшир; **клинки́ вон!** қиличлар суғурилсин (қўлга олинсин)!

КЛИНООБРА́ЗНЫЙ, -ая, -ое *то же, что* **клинови́дный.**

КЛИНОПИ́СНЫЙ, -ая, -ое миххатга оид; миххат билан ёзилган, миххат...; **~ текст** миххат билан ёзилган текст, миххат тексти.

КЛИНОПИСЬ *ж* 1 миххат, хатти михи (ҳарфлари понага ўхшаган қадимий ёзув); **вавило́нская ~** Вавилон (Бобил) миххати; 2 шундай ҳарфлар билан ёзилган текст; **расшифро́вывать ~** миххатни очмоқ (ўқимоқ, расшифровка қилмоқ).

КЛИ́НЫШ/ЕК *м, р.* **-шка** *уменьш. от* **клин; ~ек земли́ под огоро́дом** полизга ажратилган бир бўлак ер; **боро́дка ~ком** эчкисоқол, чўққисоқол.

КЛИПЕР *м мор.* клипер (уч мачтали, тез юрар елканли кема).

КЛИ́ПСЫ *мн.* (*ед.* **кли́пса** *ж*) клипса (1 рельсларнинг уловчи болтлари тагига қўйиладиган пластинка; 2 қисқичли зирак).

КЛИР *м* клир (1 руҳонийлар, бутхона ходимлари; 2 бутхона хори).

КЛИРИК *м* клирик (бутхона ходими, руҳоний).

КЛИРИНГ *м* клиринг (ташқи савдо муносабатларида банкларнинг счёт ва бошқа ҳужжатлар асосида нақд пулсиз ҳисоб-китоб юргизиши).

КЛИРИНГОВ/ЫЙ, -ая, -ое клирингга оид; клиринг асосидаги; нақд пулсиз; **~ое соглаше́ние** клиринг шартномаси (нақд пулсиз ҳисоб-китоб юргизиш ҳақидаги битим).

КЛИРО́С *м* клирос (1 бутхонада хор учун белгиланган махсус жой; 2 *собир.* бутхона хори куйчилари; бутхона хори).

КЛИРОША́НИН *м церк.* клирошанин (клирос куйчиси, куйловчи руҳоний).

КЛИРОША́НКА *ж, р. мн.* **-нок** *церк. см.* **клироша́нин.**

КЛИСТИ́Р *м уст. то же, что* **кли́зма.**

КЛИСТРО́Н *м* клистрон (электрон лампа тури).

КЛИЧ *м* чақириқ, даъват, шиор; нидо, хитоб, наъра; **ра́достный ~** шодиёна хитоб; шодиёна чақириқ; **боево́й ~** жанговар хитоб; жанговар чақириқ, жанговар шиор; ✦ **кли́кнуть ~** чақириқ билан мурожаат қилмоқ; шиор ташламоқ.

КЛИ́ЧКА *ж, р. мн.* **-чек** 1 *от* (ҳайвонларга берилган от); **~ соба́ки** итнинг оти; 2 лақаб, ном.

КЛИШЕ́ *с нескл.* 1 *полигр.* клише; **цинковое ~** рух

www.ziyouz.com kutubxonasi

клише; **снять ~ с грави́ры** гравюра тасвирини клишега олмоқ, гравюрани клишега туширмоқ; **печа́тать с ~** клишедан босмоқ (чоп қилмоқ); 2 кўп чайналган (сийқаси чиққан) ибора; бир қолипдаги гап.

КЛОА́КА *ж* 1 ахлат оқадиган ер ости канали; 2 ахлат ўра; ахлатхона; 3 биликсиган (ивирсиган) уй, ифлос (итирқини) жой; 4 *перен. книжн.* бузуқ шароит, разил (ифлос) муҳит; 5 *анат.* клоака (қушлар ва баъзи ҳайвонларда: сийдик-тезак учун битта орқа тешик).

КЛОА́ЧН/ЫЙ, **-ая**, **-ое** клоакага оид; клоакали; клоака...

КЛОБУ́К *м, р.* **-а́** *церк.* клобук, кулоҳ (монахларда).

КЛОЗЕ́Т *м уст. то же, что* **ватерклозе́т.**

КЛОЗЕ́ТН/ЫЙ, **-ая**, **-ое** *уст.* клозетга, ҳожатхонага оид; ҳожатхона...; **~ая бума́га** ҳожатхона қоғози.

КЛО́К *м, р.* **-а́**, *мн.* **кло́чья и клоки́** 1 тутам, даста; **~ се́на** бир тутам пичан; **~ ше́рсти** бир тутам жун; **с парши́вой овцы́ хоть ше́рсти** ~ *погов.* тўнғиздан бир тук; 2 парча, бурда; **~ бума́ги** бир парча қоғоз; **изорва́ть в кло́чья** бурдалаб (парчалаб) ташламоқ; бурда-бурда (парча-парча) қилиб ташламоқ; 3 парча, бўлак; **~ земли́** бир парча ер, бир бўлак ер.

КЛОКО́Т *м то же, что* **клокота́ние; ~ воды́** сувнинг биқирлаши, шарқираши (биқирлаган ёки шарқираган овози).

КЛОКОТА́НИЕ *с* 1 *по гл.* **клокота́ть**; 2 бақирлаган (вақирлаган, шарқираган) овоз; шовуллаш; биқир-биқир; бақир-буқир; **~ водопа́да** шалоланинг шарқираши (шовуллаши); **~ самова́ра** самоварнинг бақир-буқири; 3 қулдираган (қултиллаган) овоз; қулдир-қулдир; қулт-қулт; хир-хир.

КЛОК/ОТА́ТЬ, **-очу́**, **-о́чешь** *несов.* 1 биқирламоқ, вақирламоқ, шарқирамоқ, биқирлаб (ёки шарқираб) қайнамоқ; биқир-биқир қилмоқ, шарқирамоқ, шарилламоқ, шовулламоқ; **вода́ ~ о́чет в котле́** қозонда сув шарқираяпти (шарқираб қайнаяпти); **~ о́чет водопа́д** шалола шовулламоқда; 2 *безл.* қулдирамоқ, қулқиллламоқ, қулт-қулт қилмоқ; **в го́рле ра́неного ~ ота́ло** ярадорнинг томоғи қултилляпти; 3 *перен.* қайнамоқ, жўшмоқ, тўлиб тошмоқ; **в нём ~ ота́ла ра́дость** унинг шодлиги қайнаб тошди; **в за́ле ~о́чут стра́сти** залдагиларнинг эҳтироси тўлиб тошган.

КЛОНИ́ТЬ, **клоню́**, **кло́нишь** *несов.* 1 *что* эгмоқ, букмоқ, энгаштирмоқ, оғдирмоқ, қийшайтирмоқ; **ве́тер кло́нит верху́шки дере́вьев** шамол дарахтларнинг учидаги шохларни энгаштирмоқда; **~ ло́дку на́ бок** қайиқни бир томонга қийшайтирмоқ; **ло́дку кло́нит впра́во** қайиқ ўнгга (ўнг томонга) оғяпти; 2 *кого* элтмоқ, ғолиб келмоқ; тортмоқ, босмоқ; **его́ кло́нит ко сну** уни уйқу элтди; уни уйқу босяпти; 3 *перен. кого-что к чему* олиб бормоқ, бурмоқ; **~ де́ло к разры́ву** ишни муносабатларнинг узилиш томонига қараб олиб бормоқ (бурмоқ); **к чему́ он кло́нит?** у нима демоқчи?; у гапни қай томонга (нимага) бураяпти; ✦ **~ го́лову** (или **ше́ю**, **спи́ну**) *книжн.* итоат қилмоқ, бўйсунмоқ; **~ о́чи** (или **взор**) *уст.* ерга қараб қолмоқ, кўзни ерга тикмоқ.

КЛОНИ́ТЬСЯ, **клоню́**, **кло́нишь** *несов.* 1 эгилмоқ, энгашмоқ; оғмоқ; **я́блоня кло́нится к земле́** олма (шохлари) ерга эгиляпти (эгилиб тушяпти); 2 *перен.* юрмоқ, оғмоқ (осмон ёритгичлари ҳақида); **со́лнце кло́нилось к за́паду** қуёш ғарбга оққан эди; 3 *перен. к чему* яқинлашмоқ, қараб бормоқ; етиб қолмоқ; **де́ло кло́нилось к концу́** иш тугай деб қолган эди; 4 *перен. к чему* бурилмоқ, қаратилган бўлмоқ, олиб бормоқ (келмоқ); **разгово́р кло́нится к ссо́ре** гап жанжалга айланадиганга ўхшаб қолди (турибди).

КЛОП *м, р.* **-а́** 1 тахтакана. жўлак, қандала; 2 *перен. шутл.* дўндиқ, дўмбоқ (бола ҳақида).

КЛОПО́ВНИК *м* 1 *прост.* қандала уяси (қандала босган уй, жиҳоз ва ш. к.); канахона; 2 *бот.* баъзи турлари қандалага қарши ишлатиладиган ёввойи ўт; **~ широколи́стный** бақажўхори, сассиқ тол; **~ посевно́й** қоратундак, болтириқ.

КЛОПО́ВЫЙ, **ая**, **-ое** тахтаканага, қандалага оид; қандала...

КЛОПОМО́Р *м* канадори, қандала дори.

КЛОУ́Н *м* клоун, масхарабоз, қизиқчи.

КЛОУНА́ДА *ж* 1 клоунада, масхарабозлик, қизиқчилик; 2 *перен.* масхарабозлик, майнабозлик.

КЛОУ́НСКИ/Й, **-ая**, **ое** клоунга (масхарабозга, қизиқчига) оид; клоун(лар)...; масхарабоз(лар)...; **~й костю́м** клоунлар (масхарабозлар) кийими; 2 *перен.* келишмаган, кулгили; **~е вы́ходки** келишмаган қилиқлар.

КЛОХТА́НЬЕ *с то же, что* **кво́хтанье.**

КЛОХТА́ТЬ, **кло́хчет** *несов. то же, что* **квохта́ть.**

КЛОЧКОВАТЫ/Й, **-ая**, **-ое** ўсиқ-юлуқ, муш-муш; парча-парча; паға-паға; тўп-тўп; **~е бро́ви** ўсиқ-юлуқ қош; **~е облака́** тўп-тўп булутлар.

КЛОЧО́К *м, р.* **-чка́** 1 *уменьш. от* **клок**; **~ ва́ты** бир тутам пахта; 2 бир парча, кичкина, озгина; **~ земли́** бир парча (озгина) ер.

КЛУБ I *м, мн.* **-ы́** 1 парча, паға; **~ ды́ма** тутун парчаси (пағаси); бир парча (паға) тутун; **~ы́ па́ра** паға-паға буғ; бурқираган (бураліб чиқаётган, кўтарилаётган) буғ; **~ом** бурқираб, паға-паға бўлиб; паға-паға; 2 *уст. то же, что* **клубо́к.**

КЛУБ II *м* клуб; қулуб *(эск.)*; **заводско́й ~** завод клуби; **се́льский ~** қишлоқ клуби; **~ кинопутеше́ствий** киносаёҳатчилар клуби; **кружко́й при ~е** клуб қошидаги тўгараклар; **посеща́ть ~** клубга бормоқ (бориб турмоқ).

КЛУБЕНЁК *м, р* **-нька́** 1 *уменьш. от* **клу́бень**; 2 *бот.* тугунчак (баъзи ўсимликлар илдизида ҳосил бўладиган ва азот тўплаб, тупроқни бойитадиган тугунча).

КЛУ́Б/ЕНЬ *м, р.* **-бня** тугунак; **~ни карто́феля** картошка тугунаклари.

КЛУБЕНЬКО́ВЫ/Й, **-ая**, **-ое** тугунчакка оид; тугунчак...; **~е бакте́рии** тугунчак бактериялари (тугунчак ҳосил қиладиган бактериялар).

КЛУБИ́Т/Ь, **-и́т** *несов.* 1 *что* бурқиратмоқ, бурқиратиб кўтармоқ, тўзитмоқ; **ве́тер ~ пыль** шамол бурқиратиб чанг кўтармоқда; 2 *уст. то же, что* **клуби́ться.**

КЛУБИ́Т/ЬСЯ, **-и́тся** 1 бурқирамоқ, бурқираб чиқмоқ, паға-паға бўлиб (бураліб-бураліб) кўтарилмоқ; **пыль ~ся** бурқираб чанг кўтарилмоқда; **дым ~ся над трубо́й** мўрқондан паға-паға тутун чиқмоқда; мўрқондан бурқираб тутун чиқиб турибди; 2 қайнамоқ, бураліб-бураліб қайнамоқ, тўлқинланмоқ; **~ся пото́к** оқим тўлқинланмоқда.

КЛУБНЕВ/О́Й, **-а́я**, **-о́е** тугунакка оид; тугунакли, илдизмевали; **~ые культу́ры** илдизмевали экинлар.

КЛУБНЕЛУКО́ВИЦА *ж бот.* тугунакпиёз (баъзи ўсимликларнинг пиёзи).

КЛУБНЕНО́СН/ЫЙ, **-ая**, **-ое** тугунакли, илдизмевали; **~ое расте́ние** илдизмевали ўсимлик.

КЛУБНЕПЛО́ДЫ *мн. (ед.* **клубнепло́д** *м)* илдизмевали ўсимликлар.

КЛУБНИ́КА *ж* қулупнай (ўсимлиги ва меваси).

КЛУБНИ́ЧКА *ж, р. мн.* **-чек** 1 *ласк. от* **клубни́ка** қулупнайжон; **поспе́ла ~** қулупнайжон пишиб қолди; 2 *перен. уст.* дўндиқча, жонона.

КЛУБНИ́Ч/НЫЙ, **-ая**, **-ое** қулупнайга оид; қулупнайдан қилинган; қулупнай...; **~ые ли́стья** қулупнай барглари; **~ое варе́нье** қулупнай мураббоси.

КЛУБН/ЫЙ, **-ая**, **-ое** клубга оид, тааллуқли; клубдаги; клуб...; **~ая рабо́та** клуб иши; клубда олиб бориладиган ишлар; **~ое помеще́ние** клуб биноси.

КЛУБО́К *м, р.* **-бка́** 1 ўрам, копток; **~ ше́рсти** бир копток ип; **ни́тки в клубка́х** копток иплар; 2 *перен. чего* тугун, чигил; **~ противоре́чий** зиддиятлар тугуни; **~ интри́г** фитна-фасодлар чигили; **распу́тывать ~** чигилини ёзмоқ, чигил массани ечмоқ; ✦ **~ в го́рле (стои́т, застря́л** и т. д.); **~ к го́рлу подступи́л** (или **подкати́лся** и т. п.) ўпкаси тўлиб турибди; тўлиб-тошиб турибди; жони ҳиқилдоғига келиб турибди; **свернýться (сжáться, съёжиться** и т. п.) **в ~** (или **клубко́м**) ғуж (ғужанак) бўлиб ётмоқ, кулала тушиб ётмоқ.

КЛУМБА *ж* клумба (тўғарак ёки бошқа бирор шакладаги гулзор).

КЛУНЯ *ж обл.* усти ёпиқ хирмон, ғаллахона.

КЛУПП *м* клупп (резьба қирқадиган асбоб).

КЛУША *ж* 1 *обл.* курк товуқ; 2 *прост.* лапашанг (шалвираган хотин; 3 **клуша (чайкаларнинг бир тури).**

www.ziyouz.com kutubxonasi

КЛЫК *м, р.* **-á** қозиқтиш, сўйлоқгиш.

КЛЫКАСТЫЙ, -ая, -ое *разг.* сўйлоқ тишлари катта (узун); сўйлоқ тишли; ~ **морж** сўйлоқ тишлари катта (узун) морж.

КЛЮВ *м* тумшуқ (қушларда ва баъзи ҳайвонларда); **орли́ный** ~ бургут тумшуғи; ~ **черепа́хи** тошбақанинг тумшуғи.

КЛЮЗ *м мор.* клюз (кеманинг бортида лангар занжири ўтказиладиган тешик).

КЛЮКА *ж* боши эгри (туткиси қайрилган) ҳасса.

КЛЮКВА *ж* клюква (қизил, нордон мевали бута ва унинг меваси); ✦ **вот так ~!** *прост.* ана холос!; во ажабо!; **развéсистая** ~ ақлга сиғмайдиган гаплар, лоф-қофлар.

КЛЮКВЕННЫЙ -ая, -ое клюквага оид; клюквадан тайёрланган; клюква...; ~ **сок** клюква шарбати.

КЛЮКНУТЬ *сов. прост.* отиб олмоқ, ичиб маст бўлмоқ, маст бўлгунча ичмоқ.

КЛЮНУ́ТЬ *сов. см.* **клева́ть** 1—4.

КЛЮЧ I *м, р.* **-á** 1 калит, очқич; ~ **от кварти́ры** квартира калити; ~ **от вну́треннего замка́** ички қулф калити; **запере́ть на** ~ қулфлаб қўймоқ; 2 *спец.* калит; ключ; ~ **от зажига́ния (мото́ра)** ўт олдириш калити; **га́ечный** ~ гайка ключи; **телегра́фный** ~ телеграф ключи; **заводи́ть часы́ (игру́шку** и т. п.) ~**о́м** соатни (ўйинчоқни ва ҳ. к.) калит билан бурамоқ; 3 *перен. к чему* калит, уч, йўл (бирор масалани тушунишга, ечишга ёрдам берадиган омил, йўл; калаванинг учи); ~ **к реше́нию зада́чи** масаланинг учи; **найти́** ~ *к чему-л.* бирор нарсанинг учини (калитини) топмоқ; бирор нарсага (эришиш учун) йўл топмоқ; 4 *перен. к чему* калит (шифрланган ёзув белгиларининг, ҳарфларининг системаси, изоҳи); 5 *перен. к чему* калит (қийин текстни тушунишни осонлаштирадиган сатрма-сатр таржима, масалаларнинг жавоблари ва ҳ. к.); ~ **к те́ксту** текст калити; 6 *муз.* очқич, калит (нота сатри бошидаги нота баландлигини билдирувчи белги); **басо́вый** ~ бас очқичи (калити); **скрипи́чный** ~ скрипка очқичи (калити); 7 *архит.* калит (қубба ёки гумбазни боғловчи ғиштлар).

КЛЮ́Ч II *м, р.* **-á** булоқ, чашма; ✦ **бить (или кипе́ть)** ~**о́м** 1) бурқираб чиқмоқ, отилиб (қайнаб) чиқмоқ (суюқлиқ ҳақида); 2) *перен.* қайнамоқ, қайнаб тошмоқ, жўш урмоқ.

КЛЮЧЕВ/О́Й I, -а́я, -о́е 1 калитга (очқичга) оид; калитли; калит...; ~**о́е отве́рстие** калит тешиги; ~**о́й знак** *муз.* очқич (калит) белгиси; 2 йўл очиб берадиган, имкон туғдирадиган, ҳал қилувчи, муҳим; ~**ы́е пози́ции** йўл очиб берадиган (муҳим) позициялар.

КЛЮЧЕВ/О́Й II, -а́я, -о́е булоққа (чашмага) оид; булоқдан чиқадиган; булоқ...; ~**а́я вода́** булоқ (чашма) суви (сувлари).

КЛЮЧИК I *м уменьш. от* **ключ** I, 1—3; калитча; кичкина очқич; ~ **от часо́в** соатнинг калитчаси.

КЛЮЧИК II *м уменьш. от* **ключ** II булоқча, кичкина чашма.

КЛЮЧИЦ/А *ж* ўмров; ўмров суяги; ✦ ~**ы видны́** териси билан суяги қолган, эти суягига ёпишган, қовурғалари саналиб қолган, жуда ориқ, қоқ суяк.

КЛЮЧИЧН/ЫЙ, -ая, -ое ўмровга оид; ўмров...; ~**ая ко́сть** ўмров суяги; ~**ая впа́дина** елка чуқури.

КЛЮЧНИК *м* калитдор (помешчиклар хонадонида омбор калитларини сақловчи, озиқ-овқат запасларига қаровчи хизматкор).

КЛЮЧНИЦА *ж см.* **ключник**.

КЛЮШКА *ж, р. мн.* **-шек** 1 *прост. то же, что* **клюка́**; 2 *обл.* тўр тўқийдиган илмоқли чўп, ёғоч пилта, коклюшка; 3 *спорт.* клюшка (хоккей ўйинида: учи қайрилган даста).

КЛЯКС/А *ж* сиёҳ доғ; **посади́ть** ~**у** сиёҳ томизиб доғ қилмоқ.

КЛЯНЧИТЬ *несов.* (*сов.* **вы́клянчить**) *что* и *без доп. прост.* тиланмоқ, тилаб олмоқ, ялиниб-ёлвориб сўрамоқ, қўярда-қўймай сўраб олмоқ; ~ **де́ньги** ялиниб пул сўрамоқ.

КЛЯП *м* тишламаслиги (ёки бақирмаслиги) учун оғизга тиқиб қўйиладиган латта, ёғоч.

КЛЯССЕР *м* классер (маркалар, значоклар тўпланадиган папка ёки альбом).

КЛЯСТЬ, кляну́, кля́нёшь *несов. кого-что* қарғамоқ, лаънатламоқ, лаънат ўқимоқ; ~ **плохо́ю пого́ду** ёмон ҳаводан нолимоқ (нолиб лаънат ўқимоқ).

КЛЯСТЬСЯ, кляну́сь, кля́нёшься *несов.* (*сов.* **покля́сться**) қасамёд қилмоқ, қасам (онт) ичмоқ, сўз бермоқ; ~ **в ве́рности** содиқлик (вафодорлик) ҳақида қасам ичмоқ, аҳдпаймон қилмоқ; ~ **в дру́жбе** дўст бўлиш учун қасамёд қилмоқ; ~ **испо́лнить обеща́ние** ваъдани бажаришга онт ичмоқ; ~ **в правди́вости ска́занного** айтганининг тўғрилигига онт ичмоқ (онт ичиб ишонтирмоқ); **кляну́сь богом!** худо ҳақи!, худо урсин!

КЛЯТВ/А *ж* 1 қасам, онт, ваъда, сўз; ~**а в ве́рности** содиқлик (вафодорлик) ҳақидаги қасам; **дать** ~**у** қасам (онт) ичмоқ, сўз (ваъда) бермоқ; **сдержа́ть** ~**у** қасамида (сўзида) турмоқ; сўзининг устидан чиқмоқ; 2 *уст.* қарғиш, лаънат; **аннибалова** ~**а** қасамёд билан қилинган қатъи аҳд.

КЛЯТВЕНН/ЫЙ, -ая, -ое қасамёд қилинган, онт ичилган; **дать** ~**ое обеща́ние** қасамёд қилиб (онт ичиб) ваъда бермоқ.

КЛЯТВОПРЕСТУПЛЕ́НИЕ *с* қасамхўрлик, қасамини бузиш, онтидан қайтиш, қасамига хилоф иш тутиш.

КЛЯТВОПРЕСТУ́ПНИК *м* қасамхўр, қасамини бузган (онтидан қайтган) одам, хоин.

КЛЯТВОПРЕСТУ́ПНИЦА *ж см.* **клятвопресту́пник**.

КЛЯУЗА *ж* 1 *уст.* арзимаган нарсага судлашиш, қозивозлик, майда-чуйда жанжал; 2 *разг.* майда-чуйда ғийбат, туҳмат, фисқ-фасод, фисқ-фуруж.

КЛЯУЗНИК *м разг.* ғаламис одам, қитмир, ғийбатчи, туҳматчи, иғвогар, фисқ-фасод уяси.

КЛЯУЗНИЦА *ж см.* **кля́узник**.

КЛЯУЗНИЧАТЬ *несов.* 1 *уст.* арзимаган нарсага судлашмоқ, жанжаллашмоқ, қозивозлик қилмоқ; 2 *разг.* ғаламислик қилмоқ, ғийбат қилмоқ, иғвогарлик қилмоқ, фисқ-фасод билан шуғулланмоқ.

КЛЯУЗНИЧЕСТВО *с разг.* ғаламислик, ғийбатчилик, иғвогарлик; ғийбат, туҳмат, фисқ-фасод.

КЛЯУЗН/ЫЙ, -ая, -ое 1 ғаламис, ғийбатчи, иғвогар, фисқ-фасодчи; ~**ый челове́к** ғаламис одам; 2 иғводан (ғийбатдан) иборат бўлган, жанжалли, чатоқ, хунук; ~**ое письмо́** иғвогарлик билан ёзилган хат; ~**ое де́ло** жанжалли (чатоқ) иш.

КЛЯЧА *ж* 1 дирдов от, қирчанғи; 2 *прост.* нимжон (озғин) одам, дирдов.

КНАРУ́ЖИ *нареч. прост.* ташқарига, сиртига, ташқи томонга қараб.

КНЕ́ЛИ *мн.* (*ед.* **кнель** *ж*) қийма узмаси; **мясны́е** ~ қийма гўшт узмаси.

КНЕ́ХТЫ *мн.* (*ед.* **кнехт** *м*) *мор.* кнехт (арқон боғланадиган тўнгак).

КНИГ/А *ж* 1 китоб; **интере́сная** ~**а** қизиқ китоб; **но́вая** ~**а** янги китоб; **сиде́ть за** ~**ой** китоб мутолаа қилмоқ, китоб устида ўтирмоқ; 2 дафтар (бирор мақсад учун белгиланган дафтар); **бухга́лтерские** ~**и** бухгалтерия дафтарлари; **канцеля́рская** ~**а** канцелярия (идора) дафтари; **ка́ссовая** ~**а** касса дафтари; ~**а жа́лоб** и **предложе́ний** шикоят ва таклифлар дафтари; 3 китоб (йирик асарнинг мустақил бир қисми); **рома́н в пяти́** ~**ах** беш китобдан иборат роман; ✦ (вам) **и** ~**и в ру́ки** бу ишнинг устаси (омилкори) сиз ўзингиз; ~**а за семью́ печа́тями** *книжн.* ҳеч бир тушуниб бўлмайдиган (тушуниш жуда қийин) нарса.

КНИГОВЕ́Д *м* китобшунос.

КНИГОВЕ́ДЕНИЕ *с* китобшунослик.

КНИГОВЕДЕ́НИЕ *с бухг.* дафтар юритиш, ҳисоб-китоб юритиш (қилиб бориш).

КНИГОВЕ́ДЧЕСКИЙ, -ая, -ое китобшуносликка оид, китобшунослик...

КНИГОЕ́Д *м* 1 китоб қурти, китоб бити (эски китобларга, қоғозларга тушадиган қурт); 2 *ирон. то же, что* **кни́жник** 1.

КНИГОИЗДА́ТЕЛЬ *м* китоб нашр этувчи (чиқарувчи), ношир; **СССР — крупне́йший** ~ **ми́ра** СССР дунёда энг кўп китоб чиқарувчи мамлакатдир.

КНИГОИЗДА́ТЕЛЬСК/ИЙ, -ая, -ое китоб чиқаришга оид; китоб чиқариш...; ноширлик...; нашриёт...; ~**ое де́ло** китоб нашр этиш иши, нашриёт ишлари, китоб чиқариш.

www.ziyouz.com kutubxonasi

КНИГОИЗДАТЕЛЬСТВО *с* 1 китоб нашриёти; 2 китоб нашр этиш иши.

КНИГОЛЮБ *м* китоб ҳаваскори, китобсевар.

КНИГОНОША *м и ж* 1 уйма-уй (кўчама-кўча) юриб китоб сотувчи киши; кўтармачи китобфуруш; 2 китоб тарқатувчи кутубхона ходими.

КНИГОПЕЧАТАНИЕ *с* китоб босиш (чоп қилиш), китоб чиқариш.

КНИГОПЕЧАТНИК *м уст.* китоб босувчи ишчи, мутахассис.

КНИГОПЕЧАТНЫЙ, -ая, -ое китоб босишга, чиқаришга оид; китоб босадиган; китоб босиш...; чоп қилиш...

КНИГОПРОДАВЕЦ *м, р.* **-вца** *уст.* китобфуруш, саҳҳоф; ношир.

КНИГОТОРГ *м* книготорг (китоб савдоси билан шуғулланувчи ташкилот).

КНИГОТОРГОВЛЯ *ж* китоб савдоси.

КНИГОТОРГОВЫЙ, -ая, -ое китоб сотиш (савдоси) билан боғлиқ бўлган; китоб сотиш...

КНИГОТОРГУЮЩИЙ, -ая, -ее китоб савдоси билан шуғулланувчи; ~**е организа́ции** китоб сотиш билан шуғулланувчи ташкилотлар.

КНИГОХРАНИЛИЩЕ *с* китоблар сақланадиган бино, китоб омбори.

КНИЖИЦА *ж прост. уменьш. от* **кни́га** 1 китобча, кичкина китоб.

КНИЖКА *ж, р. мн.* **-жек** 1 китоб, китобча; дафтарча; **де́тская** ~ болалар китобчаси; **интере́сная** ~ қизиқ китобча; **записна́я** ~ хотира дафтарчаси; ён дафтар; 2 катта (ёки ойлик) журналнинг ҳар бир сони; **пе́рвая** ~ **журна́ла** журналнинг биринчи сони; 3 дафтарча (турли ҳужжатлар дафтари); **чле́нская** ~ аъзолик дафтарчаси; **сберега́тельная** ~ омонат касса дафтарчаси; **трудова́я** ~ меҳнат дафтарчаси; **расчётная** ~ ҳисоб-китоб дафтари; **положи́ть де́ньги на кни́жку** омонат кассага пул қўймоқ; 4 *анат.* қатқорин (кавш қайтарувчи ҳайвонларда).

КНИЖНИК *м* 1 китобсевар, китоб шинавандаси; 2 *ирон.* китобий билимларга ёпишиб олган, ҳаётдан узилган одам; 3 китоб савдоси ишида ишловчи киши.

КНИЖНОСТЬ *ж* китобийлик, китобга хослик; ~ **ре́чи** нутқнинг китобийлиги.

КНИЖН/ЫЙ, -ая, -ое 1 китобга оид, китоб...; ~**ый переплёт** китоб муқоваси; ~ **ый шкаф** китоб жавони; ~**ый магази́н** китоб магазини; 2 китобий, қуруқ назарий: ~**ые зна́ния** китобий (қуруқ назарий) билимлар; ~**ое представле́ние** *о чём-л.* бирор нарса ҳақида китобий (китобдан олинган) тасаввур; 3 ёзма нутққа хос, китобий; ~**ый язы́к** китобий тил; ~**ый стиль** китобий услуб; ✦ ~**ая пала́та** китоб палатаси (СССРда марказий библиография идорасининг номи).

КНИЗУ *нареч.* 1 пастга, қуйига, қуйи томон, қуйи; **опусти́ть го́лову** ~ бошни қуйи солмоқ; 2 дарёнинг этагига (қуйи томонига) қараб, оёқ томонга (дельтага) қараб.

КНИКСЕН *м* книксен (буржуа-дворянлар жамиятида: қизларнинг тиз букиб таъзим қилиши).

КНОПК/А *ж, р. мн.* **-пок** 1 кнопка (босма мих, тугмача мих); **канцеля́рские** ~**и** канцелярия кнопкаси; **приколо́ть ка́рту к стене́** ~**ами** харитани деворга кнопкалаб (кнопка билан маҳкамлаб) қўймоқ; 2 кнопка, тугма; ~**а электри́ческого звонка́** электр қўнғироғининг кнопкаси (тугмаси); **нажа́ть на** ~**у** кнопкани босмоқ; 3 шиқ-шиқ тугма, пистон; ~ **на перча́тке** қўлқопнинг шиқ-шиқ тугмаси; 4 *разг. шутл.* митти, қўқил (бола ёки паст бўйли киши ҳақида).

КНОПОЧН/ЫЙ, -ая, -ое кнопкага оид; кнопкали; кнопка...; ~**ое управле́ние** кнопкали бошқарув.

КНУТ *м, р.* **-а́** қамчи; **реме́нный** ~ тасма қамчи; **щёлкать** ~**о́м** қамчини шақиллатмоқ, қамчи ўйнатмоқ; ✦ **поли́тика** ~**а́ и пря́ника** зўрлик ва ёлғамачилик сиёсати.

КНУТОВИЩЕ *с* қамчидаста, қамчи дастаси.

КНУТРИ *нареч. прост.* ичига, ичкарига, ичкарисига, ич (ичкари) томонга қараб; **труба́ сужа́ется** ~ трубанинг ичи борган сари торайиб боради.

КНЯГИНЯ *ж* княгиня, князь хотини.

КНЯЖАТА *мн.* 1 *уст.* князь болалари; кенасводалар, кенасваччалар; 2 *ист.* удел князларининг авлодлари.

КНЯЖЕНИЕ *с* 1 *по гл.* **кня́жить**; 2 бирор кимса князь бўлган (князлик қилган) давр; 3 *уст. то же, что* **кня́жество**.

КНЯЖЕНИКА *ж* княженика (ўрмон ўсимлиги ва унинг меваси).

КНЯЖЕСКИЙ, -ая, -ое княз(лар)га ва князликка оид; княз(лар)га қарашли; князлик...; князлар...; ~ **род** князь (князлар) авлоди; ~ **дом** князь уйи, хонадони; ~ **ти́тул** князь (князлик) унвони.

КНЯЖЕСТВО *с* князлик (князь қўл остидаги ўлка); **вели́кое** ~ **Влади́мирское** буюк Владимир князлиги.

КНЯЖИЙ, -ья, -ье *уст. то же, что* **кня́жеский**.

КНЯЖИ/ТЬ *несов.* князлик қилмоқ, князь бўлмоқ; **после сме́рти Оле́га** ~**л Игорь** Олег ўлимидан кейин Игорь князлик қилди (князь бўлди).

КНЯЖИЧ *м уст.* князнинг ўғли, княззода, князвачча.

КНЯЖНА *ж* князнинг узатилмаган қизи.

КНЯЗ/Ь *м, мн.* **-зья́**, *р.* **-зе́й** *ист.* князь; кенас (*эск.*) (1 қадимги Русда: аскар бошлиги ва вилоят ҳокими; **ки́евские** ~**ья** Киев князлари; **уде́льные** ~**ья** удел князлари; 2 уларнинг авлодларига мерос бўлиб қолган ёки подшо фармони билан берилган унвон); ✦ **вели́кий** ~**ь** буюк князь 1) қадимги Русда: вилоят князлари ичида ёши энг катта князь; 2) Россия подшоларининг ака-укаси, ўғли ва набираларига император фармони билан берилган унвон; **из гря́зи да в кня́зи** *погов. ирон.* гўлахдан чиқиб тахтга.

КО *см.* **к**.

-КО *частица обл. то же, что* **-ка**.

КОАЛИЦИОНН/ЫЙ, -ая, -ое коалицияга оид, коалиция (иттифоқ) асосида тузилган; коалицияга кирадиган, коалицион; коалиция...; ~**ый догово́р** коалиция шартномаси; ~**ое прави́тельство** коалицион ҳукумат (бир неча партия иттифоқ бўлиб тузган ҳукумат).

КОАЛИ́ЦИЯ *ж* коалиция, иттифоқ.

КОБАЛЬТ *м* кобальт (1 химиявий элемент, кумуш рангли металл; 2 кобальтли тўқ кўк бўёқ).

КОБАЛЬТОВ/ЫЙ, -ая, -ое кобальтга оид; кобальтдан қилинган, кобальтли; кобальт...; ~**ая руда́** кобальт рудаси; ~**ая сталь** кобальтли пўлат; ~**ая кра́ска** *то же, что* **ко́бальт** 2.

КОБЕЛ/Ь *м, р.* **-ля́** 1 эркак ит, қўппак; 2 *груб. прост.* шаҳватпараст эркак, хотинбоз; ✦ ~**ю под хвост** бекорга, беҳудага: текинга (бирор фойдасиз).

КОБЗА и **КОБЗА́** *ж* кобза, қўбиз (қадимий украин турли музика асбоби).

КОБЗАРЬ *м, р.* **-ря́** қўбизчи (Украинада: қўбизчи бахши).

КОБРА *ж* кобра, кўзойнакли илон.

КОБУРА *ж* 1 кобура, тўппонча қини; 2 эгар сумкаси (отлиқ аскарларда).

КОБЧИК *м* қийғир, қирғий.

КОБЫЗ *м* қўбиз.

КОБЫЛ/А *ж* 1 байтал; бия; 2 *перен. груб. прост.* сигирдай (гумбаздай) аёл, гумбаз; 3 жазо курсиси (революциядан илгариги Россияда).

КОБЫЛ/ИЙ, -ья, -ье байталга оид; байтал...; бия...; ~**ье молоко́** бия сути.

КОБЫЛИЦА *ж то же, что* **кобы́ла** 1.

КОБЫЛКА *ж, р. мн.* **-лок** 1 *уменьш.-ласк. от* **кобы́ла** 1; 2 *муз.* харак, эшак; 3 чигирткаларнинг бир тури; чигиртка.

КОБЫЛЯТИНА *ж прост.* байтал гўшти.

КОВАЛЬ *м, р.* **-ля́** *уст.* и *обл.* темирчи, тақачи.

КОВАН/ЫЙ, -ая, -ое 1 болғаланган, болғалаб ясалган; ~**ый меч** болғалаб ясалган қилич; 2 тунука (темир) қопланган; ~**ый сунду́к** тунука (темир) қопланган сандиқ; 3 тақаланган, тақа қоқилган; ~**ый конь** тақаланган от; 4 нағалли, нағал қоқилган; ~**ая о́бувь** нағалли пойабзал; 5 *перен. высок.* пухта ишланган, силлиқ, бурро; ~**ый стих** пухта (ишланган) шеър; ~**ый стиль** силлиқ услуб.

КОВАРНОСТЬ *ж* маккорлик, ҳийлакорлик, айёрлик.

КОВАРН/ЫЙ, -ая, -ое; -рен, -рна 1 маккор, ҳийлакор; айёр, доғули; ~**ый челове́к** маккор одам; айёр киши; ~**ый враг** маккор душман; 2 маккорликдан иборат бўлган, мак-

www.ziyouz.com kutubxonasi

корлик билан қилинган, макрли, маккорона; **~ая улы́бка** маккорона жилмайиш; **~ый за́мысел** маккорона ният (фикр); 3 одамни алдайдиган, кутилмаган оқибатларга олиб борадиган; **~ая судьба́** одамни алдайдиган тақдир.

КОВА́РСТВО *с* 1 макр, ҳийла, дасиса; 2 *то же, что* **кова́рность.**

КОВА́ТЬ, кую́, куёшь *несов.* 1 *что* болғалamоқ; болғалаб ясамоқ, босмоқ; **~ меч** болғалаб қилич ясамоқ; **~ сталь** пўлатни болғаламоқ; **куй желе́зо, пока́ горячо́** *погов.* темирни қизиғида бос; 2 (*сов.* **подкова́ть**) тақаламоқ, тақа қоқмоқ; **~ лошаде́й** отларни тақаламоқ отларга тақа қоқмоқ; 3 *перен. что* ўз меҳнати билан таъминламоқ, ёрдам бермоқ, эришмоқ қўлга киритмоқ; **~ побе́ду** ўз меҳнати билан ғалабани таъминламоқ, ғалабага эришишга ёрдам бермоқ; 4 *кого-что уст.* кишанламоқ, кишанлаб қўймоқ, кишанга солмоқ; кишан урмоқ; **~ в це́пи** кишанлаб қўймоқ; занжирбанд қилмоқ; ✦ **~ де́ньги** осон йўл билан кўп пул топмоқ, супургандай пул топмоқ.

КОВА́ТЬСЯ, куётся *несов.* 1 яхши болғаланмоқ, болғаланиши осон бўлмоқ; 2 *страд. от* **кова́ть.**

КОВБО́Й *м* ковбой, отлиқ подачи, отлиқ чўпон (Шимолий Америкада).

КОВБО́ЙКА *ж, р. мн.* **-о́ек** *разг.* ковбойка (ковбойча катак кўйлак).

КОВБО́ЙСК/ИЙ, -ая, -ое ковбойларга оид, ковбойларга хос бўлган; ковбойча; ковбой(лар)...; **~ая шля́па** ковбойча шляпа; **~ий фильм** ковбойлар ҳақидаги фильм.

КОВЁР *м, р.* **-вра́** 1 гилам; **фабри́чный ~** фабрика гиламлари; **разостла́ть ~** гиламни ёзмоқ; гилам тўшамоқ; 2 *перен. чего или какой* гилам, кўрпа (ерни қоплаган майса, гул, қор ва ш. к. ҳақида); **~ цвето́в** гуллар гилами, гуллар кўрпаси; **~ зимы́** қор кўрпаси; ерни қоплаган оппоқ қор; **зелёный ~ лу́га** гиламдек қалин майсазор; 3 *спорт.* гилам, майдон; **борцы́ вышли на ~** курашчилар гиламга чиқишди (майдонга тушишди); ✦ **~-самолёт** учар гилам (эртакларда); **у ковра́** (рабо́тать, выступа́ть и т. п.) клоунлик (қизиқчилик) қилмоқ, клоун (қизиқчи) бўлмоқ.

КОВЕ́РКАНЬЕ *с по гл.* **кове́ркать; ~ фа́ктов** фактларни бузиб кўрсатиш.

КОВЕ́РКАТЬ *несов.* (*сов.* **искове́ркать**) 1 *что* бузмоқ, ишдан чиқармоқ, абжағ (хароб) қилмоқ; абжағини (рассосини) чиқармоқ; **~ игру́шки** ўйинчоқларни бузмоқ; ўйинчоқларнинг абжағини чиқармоқ; 2 *перен. кого-что* и *без доп.* хулқини (ахлоқини) бузмоқ, расво қилмоқ; **~ плохи́м воспита́нием** ёмон тарбия бериб (ёмон тарбия билан) бузмоқ (расво қилмоқ); 3 *перен. что* нотўғри ишлатмоқ, нотўғри талаффуз қилмоқ, бузмоқ; **~ слова́** сўзларни бузиб (нотўғри) ишлатмоқ; 4 *перен. что* бузиб кўрсатмоқ, нотўғри талқин қилмоқ; **~ фа́кты** фактларни бузиб кўрсатмоқ.

КОВЕ́РКАТЬСЯ, -ается *несов.* 1 қийшангламоқ, қилпангламоқ, қилиқ қилмоқ; 2 *страд. от* **кове́ркать.**

КОВЕРКО́Т *м* коверкот; **костю́м из ~а** коверкот костюм.

КОВЕРКО́ТОВ/ЫЙ, -ая, -ое коверкотга оид, коверкотдан қилинган; коверкот...; **~ое пальто́** коверкот пальто.

КОВЁРНЫЙ *м, р.* **-ого** клоун, қизиқчи (циркда).

КО́ВКА *ж по гл.* **кова́ть** 1, 2; **~ меча́** болғалаб қилич ясаш; **~ лошаде́й** отларни тақалаш, отларга тақа қоқиш.

КО́ВКИ/Й, -ая, -ое; -вок, -вка́, -вко осон болғаланадиган, болғаланувчан; **~е мета́ллы** болғаланадиган металлар.

КО́ВКОСТЬ *ж* болғаланувчанлик.

КО́ВОЧНЫ/Й, -ая, -ое болғалашга оид, болғаловчи; болғалайдиган; болғалаш...; **~е инструме́нты** болғалаш асбоблари.

КОВРИГА *ж то же, что* **карава́й.**

КОВРИ́ЖК/А *ж, р. мн.* **-жек** 1 *уменьш.-ласк. от* **коври́га;** 2 коврижка (асал қўшилган пряник); ✦ **ни за каки́е ~и** *разг.* асло, сира ҳам, тилла берса ҳам, бошдан зар сочса ҳам.

КО́ВРИК *м уменьш.-ласк. от* **ковёр** 1 гиламча, кичкина гилам.

КОВРОВЩИК *м* гилам тўқувчи, гиламбоф; гиламдўз.

КОВРОВЩИЦА *ж см.* **ковровщик.**

КОВРО́В/ЫЙ, -ая, -ое 1 гиламга оид, гиламдан қилинган; гилам...; **~ая доро́жка** гилам пояндоз; **~ая фа́брика** гилам фабрикаси; 2 гилам қопланган; **~ый дива́н** гилам қопланган диван; 3 гиламнусха, гиламга ўхшаш; **~ая ткань** гиламга ўхшаш газмол.

КОВРОДЕ́Л *м* гилам тўқувчи, гиламбоф; гиламдўз.

КОВРОДЕ́ЛИЕ *с* гилам тўқиш, гилам ишлаб чиқариш; гиламдўзлик.

КОВРОТКАЦК/ИЙ, -ая, -ое гилам тўқийдиган, гилам тўқилиш...; **~ая фа́брика** гилам тўқийдиган фабрика, гилам фабрикаси.

КОВРОТКАЧЕСКИЙ, -ая, -ое *то же, что* **ковротка́цкий.**

КОВЧЕ́Г *м* 1 Нуҳ кемаси (афсонавий тўфонда Нуҳ, унинг оиласи ва ҳайвонлар сақланиб қолган кема); 2 *перен.* бир-бирига мос келмаган хилма-хил кишилар тўдаси; 3 *ирон.* алмисоқдан қолган эски кема ва унинг экипажи; 4 *церк.* бутхонада муқаддас нарсалар сақланадиган қути, сандиқ; 5 *перен. уст. поэт.* нажот рамзи; **~ спасе́ния** нажот кемаси.

КОВШ *м, р.* **-а́** 1 чўмич, ёғлоғи; **ме́дный ~** мис чўмич; **зачерпну́ть ~о́м воды́** чўмич билан сув олмоқ; 2 *тех.* ковш; **~ экскава́тора** экскаватор ковши; 3 *тех.* ковш, воронка (тегирмонларда, элеваторларда); **мукомо́льный ~** тегирмон ковши (воронкаси); 4 *мор.* қўлтиқ (кемалар тўхтай оладиган кичик сунъий ёки табиий бухта).

КОВШИК *м* чўмичча; кичкина ковш.

КОВШОВЫЙ, -ая, -ое ковшли, ковши бўлган; ковш...; **~ транспортёр** ковшли транспортёр; **~ экскава́тор** ковшли экскаватор.

КО́ВЫ *мн. уст. то же, что* **ко́зни.**

КОВЫЛЬ *м, р.* **-ля́** ковил, чалов.

КОВЫЛЬНЫ/Й, -ая, -ое чаловга оид; чалов (ковил) ўсган (босган); ковилли; чалов...; **~е сте́пи** чалов (ковил) босган чўллар.

КОВЫЛЯ/ТЬ *несов. разг.* оқсоқланмоқ, судралмоқ, каловланиб (оқсаб-тўқсаб) зўрға юрмоқ, оёқларни судраб (аранг, битта-битта) қадам босмоқ.

КОВЫРНУ́ТЬ *сов. однокр. разг. см.* **ковыря́ть.**

КОВЫРНУ́ТЬСЯ *сов. прост.* умбалоқ ошиб йиқилмоқ, алла бўлмоқ, чирпирак бўлиб учиб тушмоқ (кетмоқ); **~ с де́рева** дарахтдан алла бўлиб йиқилмоқ.

КОВЫРЯ́ТЬ *несов.* (*сов.* **ковырну́ть**) *что* 1 *разг.* чуқиламоқ, ковламоқ; чуқулаб олмоқ, ковлаб туширмоқ (ёки титмоқ); **~ хлеб** нонни чуқуламоқ; нонни чуқулаб емоқ; **~ штукату́рку со стены́** деворнинг сувоғини ковламоқ (чуқуламоқ); **~ в зуба́х зубочи́сткой** тишкавлагич билан тиш ковламоқ; **~ в сала́те ви́лкой** вилка билан салатни ковламоқ; 2 *перен. прост.* имилламоқ, секин иш қилмоқ; ✦ **~ ля́пти** *прост.* чипта ковуш тўқимоқ.

КОВЫРЯ/ТЬСЯ *несов.* 1 *в чём разг.* титмоқ, титкиламоқ, тимирскиламоқ, ковлаб ўтирмоқ; **де́ти ~ются в песке́** болалар қум ковлаб ўйнаб ўтиришибди; 2 *перен. в чём прост.* бирор иш билан овора бўлмоқ, бирор ишга уриниб етмоқ, тимирскилаб ўтирмоқ, ковламоқ; **~ться в механи́зме** механизмни тузатиш билан овора бўлмоқ; механизмни тузатишга уринмоқ; механизмни ковламоқ; 3 *перен. разг.* имиллаб иш қилмоқ, секин қимирламоқ, имилламоқ.

КОГДА 1 *нареч. вопросит.* қачон, қай вақтда; **~ придёте?** қачон келасиз?; 2 *нареч. времени* қай маҳалда, қай вақтда, қай чоғда; қачон; **я там был, но не по́мню ~** у ерда бўлганман, лекин қачон(лиги) ёдимда йўқ; 3 *нареч. определит.* ўша вақтда, худди ўша пайтда; **он вчера́ был здесь. Вот ~ ну́жно бы́ло его́ спроси́ть** у кеча шу ерда эди. Ана ўша пайтда ундан сўраш керак эди; **вот ~ э́то бы́ло** бу воқеа ана ўша вақтда бўлган эди; 4 *нареч. неопр.* баъзан, гоҳ, гоҳида; **~ так, ~ ина́че** баъзан шундай, баъзан бошқача, баъзан ундай, баъзан бундай; **~ у́тром, ~ ве́чером** гоҳо эрталаб, гоҳо кечқурун; 5 *нареч. неопр.* қачон бўлмасин, қачондир; **он вряд ли ~ был дово́лен** у ҳеч вақт хурсанд (рози) бўлганмиди; 6 *нареч. относит.* эргаш гап бошида келиб пайт билдиради; **ду́мать о бу́дущем, ~ на́ши де́ти бу́дут счастли́вее нас** болаларимиз биздан ҳам бахтлироқ бўладиган келажак ҳақида ўйлаш керак; 7 *союз*

www.ziyouz.com kutubxonasi

временной қачон, қачонки, ҳамоно, пайтда, вақтда, замонда; ~ **у меня́ бу́дет вре́мя, я зайду́ к вам** қачон фурсат топсам, олдингизга кираман; **э́то случи́лось, ~ ты был ма́леньким** бу иш (воқеа) сен ҳали ёш бола бўлган вақтларда юз берган эди; 8 *союз усл. разг.* агар, агарда, модомики; ~ **не понима́ешь, спра́шивай** агар тушунмасанг (билмасанг), сўра; тушунмас (билмас) экансан, сўрашинг керак; ~ **так, согла́сен** агар шундай бўлса, розиман; ✦ **есть ~!** *прост.* вақт йўқ, қўл тегмайди; ~ **(бы) ещё** аллақачон; қачон эди, қачон энди; ~ **бы ни** қачон бўлмасин; **когда́-когда́** или **когда́-никогда́** *прост.* баъзи-баъзида, баъзан, гоҳо; **ре́дко ~** ҳар замонда, онда-сонда, гоҳо-гоҳо.

КОГДА́-ЛИБО *нареч. то же, что* **когда́-нибудь.**

КОГДА́-НИБУДЬ *нареч.* бир кунмас, бир кун, ахир бир кун, қачон бўлмасин, бир пайти келиб; ~ **и здесь бу́дут сады́** қачон бўлмасин бу ерда ҳам боғлар бўлади.

КОГДА́-ТО *нареч.* бир вақтлар, бир замонлар, қачонлардир, узоқ ўтмишда; ~ **здесь было морско́е дно** қачонлардир бу ерда денгиз бўлган; 2 қачон, қачон энди; **э́то ещё ~ бу́дет** бу қачон бўлади, бу энди қачон бўларди.

кого́ *см.* **кто; ~ избрали в президиум?** президиумга кимни (кимларни) сайлашди; **на ~ наде́яться?** кимга ишонамиз?; **у ~** кимда, кимдан; **для ~** кимга, ким учун.

КОГО́РТА *ж* 1 *ист.* когорта (қадимги Римда 600 кишилик отряд); 2 *перен. высок* аҳил мустаҳкам тўда, жипс саф; **стальна́я ~ большевико́в** большевикларнинг пўлатдай мустаҳкам тўдаси; бир гуруҳ пўлатдай мустаҳкам большевиклар.

КОГОТ/О́К *м, р.* **-тка́** *уменьш-ласк. от* **ко́готь;** ✦ **показа́ть ~ ки́** *то же, что* **показа́ть ко́гти** *см.* **ко́готь.**

КОГ/ОТЬ *м, р.* **-гтя,** *р. мн.* **-гте́й** 1 тирноқ, чангал, чанг; **~ти бе́ркута** бургутнинг чангали; **распусти́ть ~ти** тирноқларини чиқармоқ; 2 *мн.* **~ти** *тех.* тирноқ (оёққа боғлаб столбага чиқиладиган асбоб); ✦ **оброма́ть ~ти** *кому* тирноқларини (қўлларини) синдирмоқ; **показа́ть (свои́) ~ти** пўписа қилмоқ, дўқ урмоқ, қўрқитмоқ; **попа́сть в ~ти** *кому* бировнинг чангалига (қўлига) тушмоқ; бировнинг асорати остида қолмоқ; **держа́ть в ~тя́х** *кого* ўз чангалида (қўлида, измида) тутмоқ, ўзига қарам қилиб олмоқ.

КОГТИСТЫЙ, -ая, -ое тирноқлари ўткир; ~ **зверь** тирноқлари ўткир ҳайвон.

КОГТИ́ТЬ, -и́т *несов. кого-что уст.* тирноқ ботирмоқ, чанг солмоқ, чанг солиб пора-пора қилмоқ.

КОД *м* код; **бу́квенный ~** ҳарфий (ҳарфлардан тузилган) код; **междунаро́дный ~** халқаро код; **телегра́фный ~** телеграф коди.

КОНВЕ́НЦИ/Я *ж* конвенция (бирор махсус масала юзасидан давлатлар ўртасида тузиладиган шартнома, битим, келишув); **Женёвская ~я по охра́не а́вторских прав** авторлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш юзасидан Женевада тузилган конвенция; **заключи́ть ~ю** конвенция тузмоқ.

КОНВЕРГЕ́НЦИЯ *ж* конвергенция (1 *спец.* мустақил ҳодисаларнинг баъзи белги ёки хоссалар жиҳатидан бир-бирига ўхшашлиги; ~ **гла́сных** *лингв.* унлилар конвергенцияси; 2 *биол.* турли организмларда бир хил ташқи муҳит таъсирида ўхшаш белгиларнинг пайдо бўлиши; 3 *физ.* иккала кўз ўқ чизиғининг бир нуқтада учрашуви).

КОНВЕРСИО́ННЫЙ, -ая, -ое *эк.* конверсияга оид; конверсияланган, конверсия қилинган, шартлари ўзгартирилган; ~ **заём** конверсияланган (шартлари ўзгартирилган) заём.

КОНВЕ́РСИЯ *ж эк.* конверсия, конверсиялаш, ўзгартириш; ~ **за́йма** заёмни конверсиялаш (шартларини ўзгартириш).

КОНВЕ́РТ *м* 1 конверт (почта конверти); ~ **с ма́ркой** маркали конверт; **вложи́ть письмо́ в ~** хатни конвертга солмоқ; 2 конверт (шаклида тикилган йўргак).

КОНВЕ́РТЕР *м тех.* конвертер (эритилган чўян орқали ҳаво ўтказиб пўлат ҳосил қиладиган печь).

КОНВЕ́РТЕРН/ЫЙ, -ая, -ое *тех.* конвертерга оид; конвертерда бўладиган, конвертерда олинган; конвертер...; **~ая сталь** конвертер пўлати.

КОНВЕРТИ́РОВАНИЕ I *с эк.* конверсиялаш (давлат заёмлари шартларини ўзгартириш); ~ **за́йма** заёмни конверсиялаш.

КОНВЕРТИ́РОВАНИЕ II *с тех.* конвертерлаш, конвертерда чўяндан пўлат олиш; ~ **ста́ли** конвертерда пўлат ҳосил қилиш.

КОНВЕРТИ́РОВАТЬ I *сов.* и *несов. что эк.* конверсияламоқ, конверсия қилмоқ, шартларини ўзгартирмоқ; ~ **заём** заёмни конверсияламоқ.

www.ziyouz.com kutubxonasi

КОНВЕРТИ́РОВАТЬ II *сов.* и *несов. что тех.* конвертерламоқ, конвертерда чўяндан пўлат олмоқ; ~ **сталь** пўлатни конвертерламоқ.

КОНВЕ́РТН/ЫЙ, -ая, -ое конвертга оид, конвертбоп; конверт...; ~**ая бума́га** конверт қоғози, конвертбоп қоғоз.

КОНВОЙ́Р *м* конвоир (1 қўриқлаб, кузатиб борувчи соқчи; 2 қўриқловчи кема ёки самолёт).

КОНВОЙ́РОВАНИЕ *с по гл.* **конвойи́ровать; ~е плéнных** асирларни қўриқлаб кузатиб бориш.

КОНВОЙ́РОВАТЬ *несов. кого-что* соқчилик қилиб қўриқлаб бормоқ, кузатиб бормоқ; ~ **аресто́ванного** маҳбусни қўриқлаб (кузатиб) бормоқ; ~ **карава́н судо́в** кемалар карвонини қўриқлаб, кузатиб бормоқ.

КОНВО́Й *м* конвой (1 қўриқлаб, кузатиб борувчи соқчилар отряди; **взять под ~й** соқчилар назорати остига олмоқ; **идти́ под ~ем** конвой билан бормоқ, соқчилар назорати остида бормоқ; 2 соқчилик қилиб, қўриқлаб борувчи кемалар ёки самолётлар группаси; **идти́ в соста́ве ~я** конвой составида бормоқ).

КОНВО́ЙН/ЫЙ, -ая, -ое 1 конвойга оид, соқчилик қиладиган, конвой...; соқчи...; ~**ая слу́жба** конвойлик хизмати; **2** *в знач. сущ.* ~**ый** *м то же, что* **конвой́р** 1.

КОНВУЛЬСИ́ВНЫ/Й, -ая, -ое; -вен, -вна *то же, что* **су́дорожный.**

КОНВУ́ЛЬСИЯ *ж то же, что* **су́дорога.**

КОНГЕНИА́ЛЬНЫЙ, -ая, -ое; -лен, -льна конгениал (руҳи, фикри, истеъдоди жиҳатдан бир хил, ўхшаш, мос); ~ **оригина́лу перево́д** оригиналга ҳар жиҳатдан мос таржима.

КОНГЛОМЕ́РАТ *м* конгломерат (1 хилма-хил нарсаларнинг тартибсиз, тасодифий йиғиндиси, қоришмаси, қурамаси; 2 *геол.* тош, қум, шағал ва ш. к. нинг оҳак, лой ва ҳ. к. воситасидаги маҳкам бирикмасидан иборат тоғ жинси; 3 монополистик бирлашма тури).

КОНГЛОМЕ́РАТНЫЙ, -ая, -ое *геол.* конгломератга оид, конгломератдан иборат бўлган; конгломерат...; ~ **пласт** конгломерат қатлам.

КОНГОЛЕ́ЗСКИ/Й, -ая, -ое Конгога ва конголикларга оид; Конго...; конголик(лар)...; ~**е патриóты** Конго ватанпарварлари.

КОНГОЛЕ́ЗЕЦ *м, р.* **-зца** конголик; *см.* **конголе́зцы.**

КОНГОЛЕ́ЗКА *ж, р. мн.* **-зок** конголик аёл; *см.* **конголе́зцы.**

КОНГОЛЕ́ЗЦЫ *мн. (ед.* **конголе́зец** *м,* **конголе́зка** *ж)* конголиклар, конго халқи, Конгонинг туб аҳолиси.

КОНГРЕ́СС *м* конгресс (1 сиёсий, илмий ёки жамоат ташкилотларининг халқаро мажлиси, кенгаши; **Всеми́рный ~ сторóнников ми́ра** Тинчлик тарафдорларининг умумжаҳон конгресси; 2 Америка Қўшма Штатлари ва Латин Америкаси мамлакатларида: парламент; **депута́т ~а** конгресс депутати; **заседа́ние ~а** конгресс мажлиси).

КОНГРЕССМЕ́Н *м* конгресс аъзоси, депутати.

КОНГРУЭ́НТНЫ/Й, -ая, -ое; -тен, -тна *мат.* конгруэнт (устма-уст қўйганда бир-бирини қоплайдиган, устма-уст тушадиган); ~**е фигу́ры** конгруэнт шакллар.

КОНГРУЭ́НЦИЯ *ж мат.* конгруэнция, конгруэнтлик (геометрик шаклларнинг ҳам ўхшашлик, ҳам тенглиги, бир-бирини тўла қоплаши); ~ **треуго́льников** учбурчакликлар конгруэнцияси (конгруэнтлиги, бир-бирини қоплаши).

КОНДАЧ/О́К *м, р.* **-чка́:** с ~ка́ *прост.* уёқ-буёғини ўйламасдан, орқа-ўнгини суриштирмасдан, нималигини яхши тушунмасдан; **реша́ть де́ло с ~ка́** ишнинг уёқ-буёғини ўйламасдан ҳал қилмоқ; **сде́лать** *что-л.* **с ~ка́** суриштирмасдан (ўйлаб кўрмасдан) иш қилмоқ.

КОНДЕНСА́Т *м* конденсат, конденсация маҳсули.

КОНДЕНСА́ТОР *м* конденсатор (1 электр тўплайдиган асбоб; 2 бугни совитиб суюқликка айлантирадиган, конденсат тўплайдиган асбоб).

КОНДЕНСА́ТОРН/ЫЙ, -ая, -ое конденсаторга оид; конденсатор учун белгиланган; конденсатор...; ~**ое ма́сло** конденсатор мойи.

КОНДЕНСАЦИО́НН/ЫЙ, -ая, -ое *спец.* 1 конденсацияга оид; конденсацияловчи; конденсация...; ~**ые установки** конденсация қурилмалари; 2 **конденсацияланган, конденсация йўли билан ҳосил қилинган; конденсацион; ~ая вода́** конденсацияланган сув.

КОНДЕНСА́ЦИЯ *ж спец. по гл.* **конденси́ровать и конденси́роваться; ~ эне́ргии** энергия тўплаш; энергиянинг тўпланиши (конденсацияланиши); ~ **па́ра** бугнинг конденсацияланиши, сувга айланиши; бугни конденсациялаш, сувга айлантириш.

КОНДЕНСИ́РОВАНИЕ *с спец. то же, что* **конденса́ция.**

КОНДЕНСИ́РОВАТЬ *сов.* и *несов. что спец.* 1 конденсацияламоқ, тўпламоқ, йиғмоқ; ~ **эне́ргию** энергия(ни) тўпламоқ; 2 конденсацияламоқ (суюқ ҳолга келтирмоқ, конденсатга айлантирмоқ); ~ **га́зы** газларни суюқ ҳолга айлантирмоқ.

КОНДЕНСИ́РОВАТЬСЯ, -руется *спец.* 1 *сов.* и *несов.* конденсацияланмоқ, тўпланмоқ, йиғилмоқ; 2 *сов.* и *несов.* конденсацияланмоқ, суюқ ҳолга келмоқ, конденсатга айланмоқ; 3 *несов. страд. от* **конденси́ровать.**

КОНДИ́ТЕР *м* 1 кондитер, қандолатчи, шакарпаз; 2 *уст.* кондитер магазинининг эгаси.

КОНДИ́ТЕРСК/ИЙ, -ая, -ое 1 кондитерликка, шакарпазликка оид; кондитер маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган; кондитер маҳсулотлари сотиладиган; кондитер...; шакарпазлик...; ~**ая фа́брика** кондитер (шакарпазлик маҳсулотлари) фабрикаси; ~**ий магази́н** кондитер магазини; ~**ие изде́лия** кондитер моллари; қандолат; 2 *в знач. сущ.* ~**ая** *ж* кондитер магазини; қандолат магазини.

КОНДИЦИОНЕ́Р *м* кондиционер (биноларда сунъий иқлим ҳосил қилувчи қурилма, аппарат).

КОНДИЦИОНИ́РОВАНИЕ *с по гл.* **кондициони́ровать; ~ во́здуха** биноларда сунъий иқлим ҳосил қилиш, ҳаво ҳароратини, намлигини бир хилда сақлаш.

КОНДИЦИОНИ́РОВАТЬ *сов.* и *несов. что* кондицияламоқ, кондицияга (маълум шартларга, талабларга) мувофиқлаштирмоқ, нормага келтирмоқ.

КОНДИЦИО́ННЫ/Й, -ая, -ое кондицияга, талабларга жавоб берадиган, шартларга мос келадиган, кондицияли, кондицион; ~**ое зерно́** кондицион (кондицияли) дон; ~**ый това́р** кондицион (кондицияли) мол.

КОНДИ́ЦИ/Я *ж* кондиция (1 *спец.* товар ёки маҳсулотни қабул қилиш учун қонун ёки шартнома билан белгиланган шарт ва талаблар; ~**я свёклы** лавлаги учун белгиланган кондиция, лавлаги кондицияси; **това́ры ни́же ~и** кондиция талабларидан паст моллар; 2 *уст.* умуман шарт, шартнома; 3 *мн.* ~**и** *уст.* хусусий дарс бериш, ўқитувчилик қилиш; **уе́хать на ~и в дере́вню** дарс бериш учун вақтинча қишлоққа кетмоқ.

КОНДО́В/ЫЙ, -ая, -ое *обл.* ёғочи қаттиқ (чайир) ва бебутоқ, бекўз (дарахт ҳақида); ~**ый лес** қаттиқ бекўз ёғоч; ~**ый бор** қаттиқ ёғочли дарахтзор; 2 *перен. разг. уст.* қадимги, азалги, эски, азалдан бўлиб келган, қадимдан бор; ~**ое купе́чество** қадим (эски) савдогарлар; ~**ые земе́льные уго́дья** қадимий ер-сув.

КОНДОМИ́НИУМ *м* кондоминиум (бир территориянинг бир неча давлат томонидан биргаликда тасарруф қилиниши, бошқарилиши).

КОНДОР *м* кондор (1 Жанубий Америкада яшайдиган ўлимтиккўр йирик йиртқич қуш; 2 Чили ва Колумбияда олтин пул).

КОНДОТЬЕ́Р *м* кондотьер (1 ўрта асрларда Италияда ёлланма аскарлар бошлиғи; 2 *перен.* пул учун ҳеч нарсадан қайтмайдиган одам, сотқин).

КОНДРАШКА *м:* ~ **хвати́л** (или **сту́кнул**) *прост.* ажал(бало) тегди, тўсатдан шол (фалаж) бўлиб қолди.

КОНДУИ́Т *м* кондуит (революциядан илгариги Россияда: ўқувчиларнинг ёки ҳарбийларнинг ахлоқи, юришturиши ҳақидаги маълумотлар ёзиб бориладиган дафтар, журнал).

КОНДУ́КТОР *м* кондуктор (1 пассажир транспортларида билет сотувчи ёки йўловчилар билетини текшириб, тартибни кузатиб борувчи ходим; ~ **автóбуса** автобус кондуктори; **железнодоро́жный** ~ темир йўл кондуктори; 2 *тех.* станокларда ишланаётган буюмга ва кесувчи асбобга тўғри йўналиш берувчи мослама).

www.ziyouz.com kutubxonasi

КОНДУКТО́Р *м* **кондуктор** (революциядан илгариги Россия флотида: унтер-офицер унвони ва шу унвондаги унтер-офицер).

КОНДУКТО́РН/ЫЙ, -ая, -ое *тех.* кондукторга оид; кондуктор ёрдамида қилинадиган; кондукторли; кондуктор...

КОНДУКТО́РСКИЙ, -ая, -ое кондукторларга оид; кондуктор(лар)...; **~ая брига́да** кондукторлар бригадаси.

КОНДУ́КТОРША *ж разг. см.* **конду́ктор** 1.

КОНЕВО́Д *м* йилқичи, йилқичилик мутахассиси.

КОНЕВО́ДСТВО *с* йилқичилик.

КОНЕВО́ДЧЕСКИЙ, -ая, -ое йилқичиликка оид, йилқичилик билан шуғулланадиган; йилқичилик...; **~ совхо́з** йилқичилик совхози.

КОНЕЗАВО́Д *м то же, что* **ко́нный заво́д** *см.* **ко́нный.**

КОНЁК I *м, р.* **-нька́** 1 *уменьш.-ласк. от* **конь** отча, отгина, тойчоқ; 2 *перен.* кимсанинг севган, яхши билган нарсаси; фикри-зикри; **его́ ~ — жи́вопись** унинг яхши кўрган иши (фикри-зикри) — рассомлик; рассомликда (ёки рассомлик ҳақидаги баҳсда) ҳеч ким унинг олдига тушолмайди; 3 икки ёққа нишаб томнинг тепа қирраси ва унга солинган ёғоч, шу ёғочнинг от бошига ўхшатиб ишланган учи; ✦ **морско́й ~** денгиз тойчаси (боши отга ўхшаш балиқ); **сесть на своего́ конька́** или **оседла́ть своего́ конька́** ўзи билган (севган) мавзуида гап бошламоқ, ўзи билган (севган) мавзуда гапга тушмоқ.

КОНЁК II *м, р.* **-нька́** *см.* **конько́й** конькининг бир тоқаси; бир тоқа коньки; **ката́ться на одно́м коньке́** битта конькида учмоқ; бир оёқлаб коньки отмоқ.

КОНЕ́МАТКА *ж, р. мн.* **-ток** она от, бия; **поро́дистая ~** наслдор (зотли) бия.

КОНЕСОВХО́З *м* (ко́нный совхо́з) йилқичилик совхози.

КОНЕФЕ́РМА *ж* (ко́нная фе́рма) йилқичилик фермаси.

КОНЕ́Ц *м, р.* **-нца́** 1 охир, поён, тамом, ниҳоя, интиҳо, сўнг; уч, бош, этак, оёқ; томон; **~ па́лки** таёқнинг учи; **~ доро́ги** йўлнинг охири (поёни); **противополо́жный ~ го́рода** шаҳарнинг нариги (карама-қарши) томони; **с нача́ла до конца́** бошидан охиригача, бошдан-оёқ; 2 охирги фурсат, охир, сўнг; **~ го́да** йилнинг охири; **~ рабо́ты** ишнинг охири; 3 оқибат, натижа; пировард, хотима; **~ расска́за** ҳикоянинг охири (хотимаси, хотима қисми); **печа́льный ~ исто́рии** воқеанинг ачинарли оқибати; 4 *перен. разг.* ажал, ўлим, вафот; **безвре́менный ~** бевақт ўлим (ажал); бевақт вафот этиш; **ему́ пришёл ~** унинг умри тугади (куни битди, ажали етди); 5 *разг.* бир бориш (ёки келиш); йўл; **пройти́ пешко́м в о́ба конца́** у ёқдан-бу ёққа пиёда бориб келмоқ; **пройти́ поря́дочный ~** анчагина йўл юрмоқ; **взять биле́т в о́ба конца́** бориш-келишга (боришга ҳам, келишга ҳам) билет олмоқ; 6 *мор.* кема арқони, кеманинг боғи (кемани қирғоққа тортиш, боғлаб қўйиш учун хизмат қиладиган арқон); **отда́ть концы́** кема арқонини ечмоқ, йўлга чиқмоқ; 7 *уст.* бир бўлак мато, отрез; **~ ше́лка в шесть ме́тров** олти метрлик ипак мато; 8 *мн.* **концы́** лахтак, қийиқ, резги; ✦ **до конца́** батамом, бутунлай, охиригача, тўла-тўкис; **в ~** жуда ҳам, ғоят, сўнг даражада; **я в ~ уста́л** мен жуда ҳам ҳордим; **без конца́** ҳадеб, зўр бериб, тинмасдан, узлуксиз, тинимсиз; **под ~** охири, пировардида, ниҳоят, натижада; **бе́гать из конца́ в ~** у бошдан бу бошга (у ёқдан-бу ёққа) югурмоқ; **оди́н ~** нима бўлса бўлар (бўлсин), таваккал; **во все концы́** ҳар томонга, ҳамма ёққа; **на тот** (или **на э́тот**) **~** ҳар эҳтимолга қарши, олам ҳодис; **на худо́й ~** жуда бўлмаганда, ҳеч (жила) бўлмаса, зўр келса, ўлди деганда; **со всех концо́в** ҳар томондан, ҳамма жойдан, теварак-атрофдан; **в конце́ концо́в** охири, ахийри; пировардида, оқибатда, ахир; **нет конца́** *чему* кети (ниҳояси) йўқ, чексиз, ҳеч тамом бўлмайди; кети узилмайди; **конца́-кра́ю нет** *чему* или **ни конца́, ни кра́ю** *чему* 1) ниҳоят узоқ (ёки кенг), охири кўринмайдиган, поёни йўқ, чексиз; 2) жуда узоқ, узундан-узоқ, сира тугамайдиган; **(и) де́ло с концо́м** или **(и) де́лу ~** шу билан тамом, иш тамом, вассалом; **концы́ хорони́ть** или **концы́ в во́ду** ишни гум қилмоқ, ҳидини (ёки изини) ҳам қолдирмай йўқ қилиб юбормоқ; **па́лка о двух конца́х** *см.* **па́лка; до конца́ ногте́й** бутун вужуди билан (билмоқ); **по́мнить до конца́ дней** умрининг охиригача эслаб юрмоқ; бир умр унутмаслик; **не с того́ конца́** бошқа томондан (ёқдан); **положи́ть ~** *чему* бас қилмоқ, тугатмоқ, чек қўймоқ, барҳам бермоқ; **води́ть концы́ с конца́ми** бир-бирига тўғри келтирмоқ, мослаштирмоқ, мувофиқлаштирмоқ; **е́ле** (или **ко́е-как**) **води́ть концы́ с конца́ми** учини учига аранг етказмоқ, аранг тирикчилик ўтказмоқ; қўл учида кун кўрмоқ; **хорони́ть** (или **пря́тать**) **концы́** *разг.* из босди қилмоқ, изини йўқотмоқ.

КОНЕ́ЧНО 1 *вводн. сл.* албатта, турган гап, шубҳасиз, табиий; **он, ~, прав** шубҳасиз, у ҳақ; унинг гапи, албатта тўғри; 2 *частица утв. разг.* албатта, шундай, бўлмасачи; **вы придёте?** — **Коне́чно** келасизми? — Бўлмасачи (албатта келаман).

КОНЕ́ЧНОСТИ *мн. (ед.* **коне́чность** *ж)* қўл-оёқлар; **за́дние ~** (ҳайвонларда) кейинги оёқлар; **пере́дние ~** (ҳайвонларда) олдинги оёқлар.

КОНЕ́ЧНОСТЬ I *ж см.* **коне́чности.**

КОНЕ́ЧНОСТЬ II *ж* чеклилик.

КОНЕ́ЧН/ЫЙ, -ая, -ое; -чен, -чна 1 чеки (чегараси, охири) бўлган, чекли, чегарали; **~ая величина́** чекли миқдор (катталик); 2 охирги, сўнгги, энг кейинги, охиридаги; **~ая остано́вка** охирги остановка; **~ая ста́нция** охирги станция; 3 сўнгги, охирги, охир-пировардидаги; охирида олинган (олинадиган); якунловчи, якуний; **~ый результа́т** охирги натижа, якун; **~ый проду́кт произво́дства** ишлаб чиқаришнинг энг сўнггида берадиган маҳсулоти; 4 энг сўнгги, асосий, туб; **~ая цель** энг сўнгги мақсад, туб мақсад; ✦ **в ~ом счёте** (или **ито́ге**) оқибат натижада, пировардида.

КОНИ́НА *ж* от гўшти.

КОНИ́ЧЕСК/ИЙ, -ая, -ое конусга оид; конус шаклидаги, конусавий, конус...; **~ое сече́ние** конус кесими; **возвы́шенность ~ой фо́рмы** конус шаклидаги тепалик.

КО́НКА *ж, р. мн.* **-нок** кўнка (от қўшиб юриладиган вагон; шундай вагонлар юрадиган шаҳар темир йўли).

КОНКИСТАДО́РЫ *мн. (ед.* **конкистадо́р** *м)* 1 конкистадорлар (Марказий ва Жанубий Америка ерларини босиб олган испан ва португалия босқинчилари, истилочилари); 2 умуман босқинчилар, истилочилар.

КОНКОРДА́Т *м* конкордат (бирор ҳукумат билан Рим папаси ўртасида тузилган шартнома).

КОНКРЕТИЗА́ЦИЯ *ж* конкретлаштириш, аниқлаш; конкретлашиш, аниқланиш; **~ усло́вий догово́ра** шартнома шартларини конкретлаштириш.

КОНКРЕТИЗИ́РОВАТЬ *сов. и несов. что* конкретлаштирмоқ, аниқламоқ; **~ реше́ние** қарорни конкретлаштирмоқ.

КОНКРЕ́ТН/ЫЙ, -ая, -ое; -тен, -тна конкрет, аниқ, равшан, лўнда; белгили, муайян, реал; **~ый приме́р** аниқ (конкрет) мисол; **~ый отве́т** аниқ, лўнда жавоб; **~ое реше́ние** аниқ (бир) қарор; **~ая цель** аниқ (бир) мақсад.

КОНКУРЕ́НТ *м* 1 конкурент; рақиб; **опа́сный ~** хавфли рақиб; 2 *уст.* конкурс қатнашчиси, толиб.

КОНКУРЕ́НТКА *ж, р. мн.* **-ток** *см.* **конкуре́нт.**

КОНКУРЕ́НТН/ЫЙ, -ая, -ое конкуренция билан боғлиқ бўлган, конкуренция асосидаги; конкуренция...; **~ая борьба́** конкуренция кураши; конкуренция.

КОНКУРЕ́НЦИ/Я *ж* 1 *эк.* конкуренция; рақобат; **жесто́кая ~я** қаттиқ (шафқатсиз) конкуренция; **~я на мирово́м ры́нке** жаҳон бозоридаги конкуренция; 2 баҳс, беллашув, кураш; ✦ **вне ~и** рақобатлашиб бўлмайдиган, тенг келиб (баҳслашиб) бўлмайдиган; мисли (тенги) йўқ.

КОНКУРИ́РОВАНИЕ *с по гл.* **конкури́ровать.**

КОНКУРИ́РОВАТЬ *несов.* 1 *эк.* конкуренция (рақобат) қилмоқ; рақобатлашмоқ; **~ на мирово́м ры́нке** жаҳон бозорларида конкуренция (рақобат) қилмоқ; 2 баҳслашмоқ, беллашмоқ, курашмоқ; 3 *на что уст.* конкурсда қатнашмоқ.

КО́НКУРС *м* конкурс; **междунаро́дный ~ скрипаче́й** скрипкачиларнинг халқаро конкурси; **предста́вить рабо́ту на ~** ишни конкурсга қўймоқ (тақдим этмоқ); **уча́ствовать в ~е** конкурсда қатнашмоқ; **пройти́ по ~у** конкурсдан ўтмоқ; ✦ **вне ~а** *то же что* **вне конкуре́нции** *см.* **конкуре́нция.**

www.ziyouz.com kutubxonasi

КОНКУРСАНТ *м* конкурсант (конкурс қатнашчиси).

КОНКУРСН/ЫЙ, **-ая**, **-ое** конкурсга оид; конкурс...; **~ая комиссия** конкурс комиссияси; **~ое сочинение** конкурс иншоси; **~ый экзамен** конкурс имтиҳони.

КОННИК *м* отлиқ, сувори, отлиқ аскар; **красные ~и** қизил отлиқ аскарлар.

КОННИЦА *ж* отлиқ аскар, отлиқ қўшин.

КОННОГВАРДЕЕЦ *м, р.* **-ейца** 1 чор армиясида: лейб-гвардия полкининг солдати, офицери; *см.* **лейб-гвардия**; 2 гвардиячи отлиқ аскар.

КОННОГВАРДЕЙСКИЙ, **-ая**, **-ое** гвардиячи отлиқларга оид; гвардиячи отлиқлар...; **~ полк** гвардиячи отлиқлар полки.

КОННО-ЖЕЛЕЗН/ЫЙ: **~ая дорога** кўнка.

КОННОЗАВОДСКИЙ, **-ая**, **-ое** от заводига оид; наслдор отлар етиштириш билан боғланган; от заводи...

КОННОЗАВОДСТВО *с* наслдор отлар етиштириш (от заводида).

КОННОЗАВОДЧИК *м* от заводининг эгаси, хўжайини.

КОНН/ЫЙ, **-ая**, **-ое** 1 отга оид; от...; **~ая сбруя** от абзали; эгар-жабдуқ; 2 от қўшиб ишлатиладиган, от қўшиладиган, отли; от...; **~ая тяга** от улови; **~ая сеялка** от сеялкаси; 3 отлиқ аскарларга оид; отлиқ; **~ая армия** отлиқ армия, отлиқ қўшин; **~ый строй** отлиқлар сафи; 4 отда ўтказиладиган; от...; **~ый спорт** от спорти; **~ая эстафета** отлиқлар эстафетаси; 5 *в знач. сущ.* **~ый** *м* суворн, отлиқ; ✦ **~ый завод** от заводи (от зотини яхшилаш ва зотли отлар етиштириш билан шуғулланадиган корхона); **~ый двор** от саройи.

КОНОВАЛ *м* 1 байтар, ўтарчи (отларни даволовчи табиб); 2 *перен.* ношуд (ғўр, нодон) врач.

КОНОВОД I *м* коновод (отларга қараб турувчи солдат).

КОНОВОД II *м прост.* саркор, онабоши, ишбоши, жўрабоши.

КОНОВОДИТЬ I, **-ожу**, **-одишь** *несов.* коновод бўлмоқ, отларга қарамоқ.

КОНОВОДИТЬ II, **-ожу**, **-одишь** *несов. прост.* онабошилик қилмоқ, ишбошилик қилмоқ, саркорлик қилмоқ; **~ среди ребят** болаларга онабошилик қилмоқ.

КОНОВЯЗЬ *ж* 1 жела; от боғлайдиган қозиқ, қурилма (очиқ жойда); 2 тушов.

КОНОГОН *м* от ҳайдовчи (конда вагонеткага қўшилган отни ҳайдовчи ишчи).

КОНОКРАД *м* от ўғриси.

КОНОКРАДСТВО *с* от ўғирлик, от ўғирлаш.

КОНОПАТИТЬ, **-ачу**, **-атишь** *несов. что* бекитмоқ, бирор нарса тиқиб тешик-тирқишларни (тешик-ёриқларни) тўлдирмоқ; **~ щели в стене** девор ёриқларини бекитмоқ; **~ лодку** қайиқнинг тешик-тирқишларини бекитмоқ.

КОНОПАТКА *ж, р. мн.* **-ток** 1 тешик-тирқишлар (тешик-ёриқларни) бирор нарса тиқиб бекитиш, тўлдириш; 2 шу ишда қўлланадиган белча, асбоб; 3 тешик-тирқишларга тиқиладиган латта, лос каби нарсалар.

КОНОПАТЧИК *м* тешик-тирқишларни бекитувчи уста.

КОНОПАТ/ЫЙ, **-ая**, **-ое** *прост.* сепкилли, сепкил тошган; сепкил, чўтир; **~ое лицо** сепкил тошган юз, сепкил юз; чўтир юз.

КОНОПАЧЕН/ЫЙ, **-ая**, **-ое** тешик-тирқишлари (тешик-ёриқлари) бекитилган; **~ая стена** тешик-ёриқлари бекитилган девор.

КОНОПЛЕВОД *м* наша экувчи, нашакор.

КОНОПЛЕВОДСТВО *с* наша экиш, нашакорлик.

КОНОПЛЕВОДЧЕСКИ/Й, **-ая**, **-ое** наша экувчи, нашакорлик қилувчи; нашакорлик...; **~е районы** нашакорлик районлари.

КОНОПЛЕТЕРЕБИЛКА *ж, р. мн.* **-лок** наша йиғиб (юлиб) оладиган машина.

КОНОПЛЕТРЕПАЛЬН/ЫЙ, **-ая**, **-ое** наша толасини титадиган, нашапоя савайдиган; **~ая машина** наша толасини титадиган (нашапоя савайдиган) машина.

КОНОПЛЕУБОРОЧНЫ/Й, **-ая**, **-ое** нашапоя йиғадиган; **~е машины** нашапоя йиғадиган машиналар.

КОНОПЛЯ *ж* наша ўсимлиги.

КОНОПЛЯНИК *м* нашазор, наша даласи.

КОНОПЛЯНКА *ж, р. мн.* **-нок** уруғхўр сайроқи қуш.

КОНОПЛЯН/ЫЙ, **-ая**, **-ое** 1 наша ўсимлигига оид; наша...; **~ое семя** наша уруғи; 2 наша уруғидан ёки толасидан олинган, тайёрланган; наша...; **~ая пряжа** наша толасидан эшилган ип.

КОНСЕРВАНТ *м* консервант (консерваланган озиқ-овқатни бузилишидан сақловчи модда).

КОНСЕРВАТИВНОСТЬ *ж* консервативлик, мутаассиблик, эскиликни ёқлаш, эскиликка ёпишиб олиш; **~ взглядов** қарашларнинг консервативлиги.

КОНСЕРВАТИВН/ЫЙ, **-ая**, **-ое**; **-вен**, **-вна** консерватив, эскиликни ёқловчи, эскиликка ёпишиб олган, консерватизм руҳи билан суғорилган, мутаассиб; **~ый человек** консерватив одам, эскиликка ёпишиб олган киши; **~ые взгляды** консерватив қарашлар; **~ая партия** консерватив партия; ✦ **~ое лечение** дори-дармонлар билан (операциясиз) даволаш.

КОНСЕРВАТИЗМ *м* консерватизм, эскиликни ёқлаш, эскиликка ёпишиб олиш; янгиликка душманлик, мутаассиблик.

КОНСЕРВАТОР *м* 1 консерватор, эскилик тарафдори, мутаассиб; 2 консерватор, консерватив партия аъзоси.

КОНСЕРВАТОРЕЦ *м, р.* **-рца** *разг.* консерватория студенти.

КОНСЕРВАТОРИЯ *ж* консерватория (олий музика ўқув юрти).

КОНСЕРВАТОРКА *ж, р. мн.* **-рок** *разг. см.* **консерваторец**.

КОНСЕРВАТОРСКИЙ, **-ая**, **-ое** консерваторларга оид; консерваторларга хос бўлган; консерваторларча.

КОНСЕРВАТОРСК/ИЙ, **-ая**, **-ое** консерваторияга оид; консерватория...; **~ое образование** консерватория маълумоти; консерваторияда бериладиган (олинадиган, олинган) маълумот.

КОНСЕРВАЦИЯ *ж по гл.* **консервировать** 2, 3; **~ древесины** ёғочни консервациялаш, чиримайдиган, бузилмайдиган қилиб қўйиш; **~ машины** машиналарни консервациялаш — ишламай узоқ турадиган вақтда мойлаб, ўраб кўтариб қўйиш; **~ строительства** қурилишни консервация қилиш, вақтинча тўхтатиб қўйиш.

КОНСЕРВИРОВАНИЕ *с по гл.* **консервировать** 1, 2; **~ рыбы** балиқни консервалаш, балиқдан консерва қилиш.

КОНСЕРВИРОВАНН/ЫЙ, **-ая**, **-ое** 1 *прич. от* **консервировать**; 2 *в знач. прил.* консерваланган; консерва қилинган; **~ое молоко** консерваланган сут; **~ые фрукты** консерваланган мевалар.

КОНСЕРВИРОВАТЬ *несов.* (*сов.* **законсервировать**) *что* 1 консерваламоқ, консерва қилмоқ; **~ мясо** гўштни консерваламоқ; **~ фрукты** меваларни консерваламоқ; 2 *спец.* консервация қилмоқ (бузилмайдиган, чиримайдиган қилиб қўймоқ); **~ древесину** ёғочни консервация қилмоқ; 3 консервация қилмоқ; вақтинча тўхтатиб қўймоқ; **~ завод** заводни вақтинча тўхтатиб қўймоқ.

КОНСЕРВИРОВАТЬСЯ, **-руется** 1 *сов.* и *несов.* чиримай, бузилмай сақланмоқ (турмоқ); 2 *несов. страд. от* **консервировать**.

КОНСЕРВН/ЫЙ, **-ая**, **-ое** консервага оид; консерва...; **~ая банка** консерва банкаси; **~ый нож** консерва очадиган пичоқ; **~ый завод** консерва заводи.

КОНСЕРВЫ *мн.* 1 консерва; **мясные ~** гўштли (гўшт) консерва; **рыбные ~** балиқ консерваси; 2 *спец.* муҳофаза ойнаги (кўзни ўткир шуъла, чанг-тўзон, шамол ва ш. к. дан сақлайдиган махсус кўзойнак).

КОНСИЛИУМ *м* консилиум (оғир ёки ноаниқ касалликни аниқлаш ва уни даволаш чораларини белгилаш учун чақириладиган врачлар кенгаши); **созвать ~** консилиум чақирмоқ.

КОНСИСТЕНТНЫ/Й, **-ая**, **-ое** консистент (консистенцияси етарли бўлган); **~е мази** консистент (етарлича қуюқ ёки суюқ) мойлар.

КОНСИСТЕНЦИ/Я *ж* консистенция (1 *физ.* эритма ва қуюқ жисмларнинг қуюқ-суюқлик, зичлик даражаси; **жидкая ~я** суюқ консистенция; 2 *мед.* организмнинг бақувват-лик-заифлик даражаси; **организм слабой ~и** нимжон организм, бақувват организм).

www.ziyouz.com kutubxonasi

КОНСИСТОРИЯ *ж* **консистория (революциядан илгариги Россияда: архиерей ҳузуридаги маъмурий ва суд органи).**

КОНСИСТОРСКИЙ, -ая, -ое консисторияга оид; консистория...; ~ **чино́вник** консистория амалдори.

КОНСК/ИЙ, -ая, -ое 1 отга оид; от...; ~**ий во́лос** от қили; ~**ая у́пряжь** от абзали; 2 баъзи ўсимликлар номига киради; ~**ие бобы́** боқла; ~**ий кашта́н** сохта каштан; ✦ ~**ий хвост** *разг.* отнинг думи (ўрилмай боғлаб орқага ташланган соч).

КОНСКРИ́ПЦИЯ *ж воен.* конскрипция (баъзи капиталистик мамлакатларда: ҳарбий хизматни ўташ усули; бу усул пул тўлаб ёки ўрнига одам ёллаб хизматдан қутулишга йўл қўяди).

КОНСОЛИДА́ЦИЯ *ж книжн.* и *фин. по гл.* **консолиди́ровать** и **консолиди́роваться;** ~ **сил** кучларни бирлаштириш (тўплаш); кучларнинг бирлашуви (тўпланиши); ~ **на́ций** миллатларнинг бирлашуви (жипслашуви); ~ **за́ймов** заёмларни консолидация қилиш.

КОНСОЛИДИ́РОВАНИЕ *с то же, что* **консолида́ция.**

КОНСОЛИДИ́РОВАТЬ *сов.* и *несов. что книжн.* 1 бирлаштирмоқ, жипслаштирмоқ, мустаҳкамламоқ; тўпламоқ; ~ **си́лы** кучларни бирлаштирмоқ (тўпламоқ); 2 *фин.* консолидация қилмоқ (давлатнинг қисқа муддатли қарзларини узоқ муддатли ёки бемуддат қарзга айлантирмоқ).

КОНСОЛИДИ́РОВАТЬСЯ, -руется *книжн.* 1 *сов.* и *несов.* бирлашмоқ, жипслашмоқ, мустаҳкамланмоқ; тўпланмоқ; 2 *несов. страд. от* **консолиди́ровать.**

КОНСО́ЛЬ *ж* консоль (1 тўсиннинг, балканинг деворлардан чиқиб турган ва балкон, карниз, ҳайкал сингариларни кўтариб турадиган қисми; 2 ҳайкал, гултувак ва ш. к. қўйиладиган устун шаклидаги остлик; ~ **для ва́зы** ваза қўйиладиган консоль).

КОНСО́ЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое консолга оид; консолли; консоль...; ~**ая ба́лка** консоль балка.

КОНСОМЕ́ *с нескл. кулин.* кучли қайнатма шўрва, бульон.

КОНСОНА́НС *м* консонанс (1 *муз.* товушларнинг ўзаро оҳангдошлиги, ҳамоҳанглиги, уйғунлиги; *ср.* **диссона́нс;** 2 *лит.* ҳар хил унли билан келган, лекин шу унлилардан кейинги товушлар бир хил бўлган сўзларни қофиялаш).

КОНСОНАНТИ́ЗМ *м лингв.* консонантизм (тилдаги ундош товушлар системаси); ~ **узбе́кского языка́** ўзбек тилининг консонантизми.

КОНСО́РЦИУМ *м эк.* консорциум (бир неча банк ёки банкирларнинг йирик молиявий операцияни амалга ошириш учун тузган муваққат битими, монополистик бирлашмаси).

КОНСПЕ́КТ *м* конспект; ~ **ле́кции** лекция конспекти; **соста́вить** ~ конспект тузмоқ (ёзмоқ).

КОНСПЕКТИ́ВНОСТЬ *ж* конспект тарзида қисқалик, мухтасарлик; ~ **изложе́ния** баённинг мухтасарлиги.

КОНСПЕКТИ́ВН/ЫЙ, -ая, -ое; -вен, -вна қисқа баён этилган (ёки ёзилган), мухтасар; қисқа, қисқача; конспект тарзидаги; ~**ый обзо́р собы́тий** воқеаларнинг қисқача обзори; ~**ое изложе́ние** конспект тарзидаги баён.

КОНСПЕКТИ́РОВАНИЕ *с по гл.* **конспекти́ровать;** ~ **докла́да** докладни (доклад мазмунини) қисқача ёзиб олиш.

КОНСПЕКТИ́РОВАТЬ *несов. что* конспект тузмоқ, мазмунини қисқача (конспект тарзида) ёзиб олмоқ; ~ **ле́кцию** лекция конспектини тузмоқ, лекцияни (лекция мазмунини) қисқача ёзиб олмоқ.

КОНСПИРАТИ́ВНО *нареч.* махфий равишда, яширин, конспиратив; **де́йствовать** ~ махфий равишда иш олиб бормоқ, яширин ҳаракат қилмоқ.

КОНСПИРАТИ́ВНОСТЬ *ж* махфийлик, яширинлик, конспиративлик; ~ **обсужде́ния** муҳокаманинг махфийлиги.

КОНСПИРАТИ́ВН/ЫЙ, -ая, -ое; -вен, -вна яширин, махфий, конспиратив; ~**ая кварти́ра** махфий квартира; ~**ая организа́ция** махфий (яширин) ташкилот.

КОНСПИРА́ТОР *м* конспиратор, конспирациячи, конспирация ташкилотчиси, қатнашчиси.

КОНСПИРА́ТОРСКИ/Й, -ая, -ое конспираторларга оид; конспиратор(лар)...; конспираторлик...; ~**е на́выки** конспираторлик маҳорати.

КОНСПИРА́ЦИ/Я *ж* конспирация (1 яширин ташкилот аъзоларини ва унинг фаолиятини сир тутиш чора-тадбирлари; **систе́ма** ~**и** конспирация системаси; 2 *разг.* сир сақлаш, махфий тутиш).

КОНСПИРИ́РОВАТЬ *несов.* конспирация қилмоқ, ўз ишини сир тутмоқ, яширин ҳаракат қилмоқ.

КОНСТА́НТА *ж спец.* константа (ўзгармас сон, доимий миқдор).

КОНСТА́НТНЫ/Й, -ая, -ое *спец.* ўзгармас, доимий, барқарор; ~**е фо́рмы** ўзгармас (барқарор) формалар.

КОНСТАТА́ЦИЯ *ж по гл.* **констати́ровать;** ~ **фа́кта** фактни қайд қилиш (ёки тасдиқлаш).

КОНСТАТИ́РОВАНИЕ *с то же, что* **констата́ция.**

КОНСТАТИ́РОВАТЬ *сов.* и *несов. что* қайд қилмоқ, таъкидламоқ, тасдиқламоқ; ~ **измене́ния в окружа́ющей среде́** ўраб олган муҳитдаги (атрофдаги) ўзгаришларни қайд қилмоқ.

КОНСТА́ТИРОВАТЬСЯ, -руется 1 *сов.* и *несов.* қайд қилинмоқ, тасдиқланмоқ; 2 *несов. страд. от* **констати́ровать.**

КОНСТЕ́БЛЬ *м* констебль (Англия ва Америкада: полициячиларнинг қуйи унвони ва унинг эгаси).

КОНСТЕЛЛЯ́ЦИЯ *ж* констелляция (1 *астр.* юлдузларнинг бир-бирига нисбатан жойланиши; 2 мавжуд аҳвол; кутилмаганда юз берган, туғилган аҳвол).

КОНСТИТУ́ИРОВАНИЕ *с книжн. по гл.* **конституи́ровать.**

КОНСТИТУ́ИРОВАТЬ *сов.* и *несов. что книжн.* составини белгиламоқ, тузмоқ, мазмунини аниқламоқ; ~ **соста́в делега́ции** делегация составини белгиламоқ.

КОНСТИТУЦИОНАЛИ́ЗМ *м* конституционализм (сиёсатда ва давлат ҳуқуқида конституцияли монархияни ҳимоя қилувчи реакцион буржуа оқими).

КОНСТИТУЦИОНАЛИ́СТ *м* конституционалист, конституционализм тарафдори.

КОНСТИТУЦИО́НН/ЫЙ, -ая, -ое конституцияга оид, конституцияга асосланган, конституцияда белгиланган; конституцияли, конституцион; ~**ый зако́н** конституцияда белгиланган қонун; ~**ый строй** конституцияли тузум; ✦ ~**ая мона́рхия** конституцион (конституцияли) монархия (монархнинг ҳуқуқлари конституция билан чекланган тузум).

КОНСТИТУ́ЦИЯ *ж* 1 конституция, асосий қонун; **Конституция СССР** СССР Конституцияси; 2 конституция, тузилиш (организмнинг тузилиши); **кре́пкая** ~ бақувват конституция.

КОНСТРУИ́РОВАНИЕ *с по гл.* **конструи́ровать;** ~ **самолёта** самолёт конструкциясини (лойиҳасини) ишлаш; ~ **президиума** президиум тузиш.

КОНСТРУИ́РОВАТЬ *несов.* (*сов.* **сконструи́ровать**) *что* 1 конструкцияламоқ, конструкциясини ишламоқ, лойиҳасини тузмоқ; ~ **маши́ну** машина конструкциясини (лойиҳасини) тузмоқ; 2 тузмоқ, ташкил этмоқ; ~ **делега́цию** делегация составини тузмоқ, делегация ташкил этмоқ.

КОНСТРУКТИВИ́ЗМ *м* конструктивизм (1920 йиллар санъатида юзага келган йўналиш бўлиб, архитектурада иншоотларнинг содда, эҳтиёжга мос, тежамли бўлишигагина интилган; адабиёт ва тасвирий санъатда эса ғоявий мазмундан кўра кўпроқ асарнинг тузилишига, абстракт формаларига эътибор берган).

КОНСТРУКТИВИ́СТ *м* конструктивист, конструктивизм тарафдори.

КОНСТРУКТИВИ́СТСКИЙ, -ая, -ое конструктивизмга оид, конструктивистларга хос бўлган; конструктивизм руҳидаги, конструктивистик.

КОНСТРУКТИ́ВН/ЫЙ, -ая, -ое; -вен, -вна 1 конструкцияга, тузилишга оид; конструктив; конструкциядаги, тузилишдаги; ~**ые осо́бенности маши́ны** машинанинг конструктив (тузилишидаги) хусусиятлари; 2 конструктив (асос бўла оладиган; асос қилиб олса бўладиган; амалий); ~**ое предложе́ние** конструктив таклиф, асос қилиб олса бўладиган амалий таклиф.

КОНСТРУ́КТОР *м* конструктор (1 машина, иншоот ва ш. к. нинг конструкциясини, лойиҳасини тузувчи мута-

www.ziyouz.com kutubxonasi

хассис; **гла́вный ~** бош конструктор; **~ автомоби́лей** автомобиллар конструктори; 2 машина, иншоот ва ш. к. ни ясаш мумкин бўлган айрим қисмлардан иборат болалар ўйинчоғи).

КОНСТРУКТОРСК/ИЙ, -ая, -ое конструкторларга оид; конструктор(лар)...; конструкторлик...; **~ое бюро́** конструкторлик бюроси.

КОНСТРУКЦИ/Я *ж* 1 конструкция, тузилиш; **~я моста́** кўприк конструкцияси, кўприкнинг тузилиши; **устаре́лая ~я** эски конструкция; **самолёт нове́йшей ~и** энг янги конструкциядаги самолёт; 2 конструкция (мураккаб иншоот, механизм ва ш. к. ёки уларнинг тайёр мураккаб қисми); **вися́чая ~я** осма конструкция; **железобето́нные ~и** темир-бетон конструкциялар; **технологи́ческая ~я** технологик конструкция; 3 *грам.* конструкция, тузилиш; **~я предложе́ния** гап(нинг) тузилиши; **предло́жная ~я** кўмакчили конструкция; **синтакси́ческая ~я** синтактик конструкция.

КО́НСУЛ *м* консул (1 бирор давлатнинг бошқа бир давлат шаҳарига ўз давлатининг ва ўз мамлакати граждапларининг манфаатларини ҳимоя қилиш учун қўйган расмий вакили; **генера́льный ~** бош консул; 2 *ист.* қадимги Римда: бир йиллик муддатга сайланган икки олий мансабдорнинг унвони ва уларнинг ҳар бири; 3 *ист.* Францияда 1799—1804 йилларда ҳукумат тепасида турган чексиз ҳуқуқли уч мансабдорнинг унвони ва уларнинг ҳар бири).

КОНСУЛЬСКИ/Й, -ая, -ое консулга ва консулликка оид; консул(лик)...; **~е полномо́чия** консул(лик) ваколати.

КОНСУЛЬСТВО *с* 1 консулхона; **сове́тское ~** совет консулхонаси; 2 консуллик, консуллик вазифаси; 3 *ист.* Қадимги Римда ва Францияда: консуллик даври; *см.* **ко́нсул** 2, 3.

КОНСУЛЬТА́НТ *м* консультант, маслаҳатчи; **литерату́рный ~** адабий консультант.

КОНСУЛЬТАТИ́ВНЫЙ, -ая, -ое консультатив (фақат консультация, маслаҳат бериш ҳуқуқига эга бўлган); маслаҳат берувчи; **~ о́рган** консультатив орган.

КОНСУЛЬТАЦИО́ННЫЙ, -ая, -ое консультацияга оид, консультация (маслаҳат) берадиган, консультацион; консультация...; **~ое бюро** консультация бюроси.

КОНСУЛЬТА́ЦИ/Я *ж* консультация (1 бирор масала юзасидан мутахассис маслаҳати; **~я врача́** врач консультацияси, маслаҳати; **обрати́ться за ~ей** консультация сўрамоқ; маслаҳат сўраб мурожаат қилмоқ; **получи́ть ~ю** консультация олмоқ; 2 ўқитувчининг предметни яхши ўзлаштириш учун ўқувчиларга берадиган ёрдами; 3 мутахассислар кенгаши, мутахассисларнинг муҳокама мажлиси; 4 аҳолига маълум масалалар юзасидан маслаҳат бериб туриш учун тузилган муассаса; **де́тская ~я** болалар консультацияси; **же́нская ~я** хотин-қизлар консультацияси; **юриди́ческая ~я** юридик консультация, юристлар консультацияси).

КОНСУЛЬТИ́РОВАНИЕ *с по гл.* **консульти́ровать; ~ студе́нтов** студентларга консультация бериш.

КОНСУЛЬТИ́РОВАТЬ *несов.* 1 (*сов.* **проконсульти́ровать**) *кого-что* консультация (маслаҳат) бермоқ; **~ абитурие́нтов** абитуриентларга консультация бермоқ; **~ дипло́мный прое́кт** диплом проекти юзасидан консультация бермоқ; 2 *с кем-то то же, что* **консульти́роваться; ~ со специали́стами** мутахассислардан консультация (маслаҳат) олмоқ, мутахассислар фикрини олмоқ.

КОНСУЛЬТИ́РОВАТЬСЯ *несов.* (*сов.* **проконсульти́роваться**) *с кем-чем* консультация (маслаҳат) олмоқ, маслаҳатлашмоқ, фикрлашмоқ, фикр олмоқ; **~ с врачо́м** врачдан консультация олмоқ, врач билан маслаҳатлашмоқ; **~ по диссерта́ции** диссертация юзасидан консультация (маслаҳат) олмоқ.

КОНСЬЕ́РЖ *м* консьерж (Францияда: швейцар).

КОНСЬЕ́РЖКА *ж, р. мн.* **-жек** *см.* **консье́рж.**

КОНТА́КТ *м* 1 контакт; алоқа; **заражéние при ~е с больны́м** бемор билан алоқа натижасида касал юқтириш; 2 *перен.* алоқа, муносабат, боғланиш; **~ в рабо́те** ишда ўзаро алоқада бўлиш; иш юзасидан боғланиш; **вступи́ть в ~ с кем-л.** бирор кимса билан алоқа боғламоқ (муносабат ўрнатмоқ); 3 *эл.* контакт (электр симларининг уланиши, узилиш жойи); **нет ~а контакт йўқ, симлар уланмаяпти;** 4 контакт (электр симларини уловчи қисм); **реле́йный ~** релели контакт; **штéпсельный ~** штепселли контакт; **зачи́стка ~ов** контактларни тозалаш.

КОНТА́КТН/ЫЙ, -ая, -ое контактга оид; контактдаги, контактли; контакт...; **~ый про́вод** контакт (уловчи) провод; **~ое напряже́ние** контактдаги кучланиш; **~ая электросва́рка** контакт йўли билан пайвандлаш.

КОНТАМИНА́ЦИЯ *ж* контаминация (1 баёнда воқеаларнинг қўшилиб, аралашиб кетиши; 2 *лингв.* ўхшаш икки сўз ё ибора қисмларининг чатишуви натижасида янги сўз ёки иборанинг пайдо бўлиши; 3 *геол.* магманинг ўз ҳаракати вақтида бошқа жинслар билан аралашиб составини ўзгартириши, ифлосланиши).

КОНТЕ́ЙНЕР *м* контейнер (1 юк жойлаб автомобилга ёки темир йўл платформасига ортиладиган махсус яшик; **металли́ческий ~** металл контейнер; 2 *тех.* бак, махсус идиш; **~ для жи́дкостей** суюқлик ташиладиган контейнер).

КОНТЕ́ЙНЕРНЫ/Й, -ая, -ое контейнерга оид; контейнер воситасидаги; контейнерли; контейнер...; **~е перево́зки** контейнер билан (воситасида) юк ташиш.

КОНТЕЙНЕРОВО́З *м* контейнеровоз (контейнер ташишга мосланган транспорт воситаси).

КОНТЕ́КСТ *м* контекст (нутқ ёки асарнинг тугал фикр англатувчи парчаси); ✦ **вы́рвать (вырыва́ть) из ~а** сўз ёки ибора маъносини контекстдаги маъносидан узиб талқин қилмоқ.

КОНТИНГЕ́НТ *м* контингент (1 *книжн.* бирор группа, муассаса, ҳарбий қисм ва ш. к. составини ташкил этган кишилар мажмуи; **~ шко́льников** ўқувчилар контингенти; 2 *спец.* бирор мақсад учун белгиланган энг кўп норма, миқдор; **~ стройматериа́лов** қурилиш материалларининг контингенти).

КОНТИНГЕ́НТНЫ/Й, -ая, -ое *спец.* контингент тарзида белгиланган, нормаланган; **~е поста́вки** контингент нормаси бўйича таъминлаш, етказиб бериш.

КОНТИНЕ́НТ *м* континент, қитъа, материк; **африка́нский ~** Африка континенти (қитъаси).

КОНТИНЕНТА́ЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое континентга оид, континентдаги, континентал; континент...; **~ые ре́ки** континентал дарёлар; **~ая Евро́па** континентал Европа; ✦ **~ый кли́мат** континентал иқлим (денгиздан йироқ ерларнинг ёзи қуруқ, иссиқ, қиши эса совуқ иқлими).

КОНТОКОРРЕ́НТ *м фин.* контокоррент (банкларда ўз мижозлари билан ҳисоб-китоб олиб бориш учун очиладиган счёт).

КОНТОКОРРЕ́НТНЫЙ: ~ счёт *то же, что* **контокоре́нт.**

КОНТО́РА *ж* контора, идора, маҳкама; **заводска́я ~** завод идораси; **нотариа́льная ~** нотариал контора, нотариус идораси; ✦ **шара́шкина ~** *см.* **шара́шкин.**

КОНТО́РК/А *ж, р. мн.* **-рок** 1 *разг.* кичкина контора (идора) биноси; 2 баланд ёзув столи; 3 *обл.* дарё пристани.

КОНТО́РСКИ/Й, -ая, -ое конторага, идорага оид; контора...; идора...; **~е кни́ги** идора дафтарлари; **~е слу́жащие** идора хизматчилари.

КОНТО́РЩИК *м уст.* идора хизматчиси.

КОНТО́РЩИЦА *ж уст. см.* **конто́рщик.**

КО́НТРА I *ж:* **про и ~** *книжн.* ёқловчи ва қарши; ижобий ва салбий; **взве́сить всё про и ~** ҳар икки томонини (ёқловчи ва қарши ёки ижобий ва салбий томонларни) ҳисобга олмоқ, тарозига солиб кўрмоқ.

КО́НТРА II *м* и *ж нескл. прост.* контрреволюционер, революция душмани.

КО́НТРА III *ж см.* **ко́нтры.**

КОНТРАБА́НД/А *ж* 1 контрабанда (давлат чегарасидан яширинча, бож тўламасдан мол ўтказиш); **занима́ться ~ой** контрабанда билан шуғулланмоқ; **боро́ться с ~ой** контрабандага қарши курашмоқ; 2 *собир.* чегарадан яширинча ўтказилган мол; контрабанда мол; **отобра́ть ~у** контрабанда молни олиб қўймоқ; 3 *в знач. нареч.* **~ой** бекитиб, бекитиқча, ўғринча; билдирмасдан, яширинча; **пробра́ться ~ой** яширинча ўтмоқ (бормоқ, келмоқ); ✦ **идеологи́ческая ~а** ғоявий контрабанда.

www.ziyouz.com kutubxonasi

КОНТРАБАНДИ́СТ *м* контрабандист (контрабанда билан шуғулланувчи киши).

КОНТРАБАНДИ́СТКА *ж, р. мн.* **-ток** *см.* **контрабанди́ст.**

КОНТРАБАНДИ́СТСКИЙ, -ая, -ое контрабандистларга оид, контрабандистларча, яширин, ўғринча.

КОНТРАБА́НДНЫЙ, -ая, -ое 1 контрабандага оид; контрабанда...; ~ **това́р** контрабанда йўли билан олиб келинадиган (ўтказиладиган) товар; контрабанда мол; 2 *перен.* яширин равишда амалга ошириладиган; махфий; бекитиқча, ўғринча; ~ **ухо́д** яширинча (билдирмасдан) кетиб қолиш.

КОНТРАБА́С *м* контрабас (скрипкага ўхшаш катта чолғу асбоби).

КОНТРАБАСИ́СТ *м* контрабасчи, контрабас чалувчи созанда.

КОНТРАБА́СНЫ/Й, -ая, -ое контрабасга оид; контрабас...; ~**е стру́ны** контрабас торлари.

КОНТРАГЕ́НТ *м* контрагент (ўзаро шартнома тузган томонлардан ҳар бири).

КОНТР-АДМИРА́Л *м* контр-адмирал (адмираллик унвонининг вице-адмиралдан қуйи биринчи даражаси ва шу унвондаги киши).

КОНТР-АДМИРА́ЛЬСКИЙ, -ая, -ое контр-адмиралга оид; контр-адмирал(лар)...; контр-адмираллик...

КОНТРА́КТ *м* шартнома, битим, контракт; **заключи́ть** ~ шартнома тузмоқ.

КОНТРАКТА́ЦИОННЫЙ, -ая, -ое контрактацияга оид; контрактация асосидаги; контрактация...; ~ **догово́р** контрактация шартномаси.

КОНТРАКТА́ЦИЯ *ж* контрактация (1 кераклн кишиларни ишга жалб этиш учун олдиндан шартнома тузиш; 2 тайёрлов органлари билан колхозлар-совхозлар ўртасида маҳсулот тайёрлаш юзасидан олдиндан шартнома тузиш системаси; ~ **хло́пка** пахта контрактацияси, пахтани контрактация қилиш).

КОНТРА́КТНЫ/Й, -ая, -ое контрактга, шартномага оид, шартнома асосидаги; шартнома...; контракт...; ~**е усло́вия** шартнома (контракт) шартлари.

КОНТРАКТОВА́ТЬ, -ту́ю, -ту́ешь *несов. кого-что* контрактация қилмоқ, шартнома тузмоқ; ~ **рабо́чих** ишчиларни контрактация қилмоқ (улар билан ишга олиш юзасидан шартнома тузмоқ); ~ **урожа́й** ҳосилни контрактация қилмоқ.

КОНТРАКТОВА́ТЬСЯ, -ту́юсь, -ту́ешься *несов.* 1 контрактация тузиб ўз зиммасига бирор мажбурият олмоқ; ~ на **новостро́йку** янги қурилишга бориш учун контрактация тузмоқ; 2 *страд. от* **контрактова́ть.**

КОНТРА́КТОВЫ/Й, -ая, -ое контрактга, шартномага оид; шартнома...; контракт...; ~**е усло́вия** шартнома (контракт) шартлари.

КОНТРА́ЛЬТО *с нескл.* контральто (1 аёлларнинг энг паст, йўғон овози; 2 *разг.* шундай овозли аёл).

КОНТРА́ЛЬТОВ/ЫЙ, -ая, -ое контральтога оид; контральто учун белгиланган; контральто...; ~**ая па́ртия** контральто партияси.

КОНТРАМА́РК/А *ж, р. мн.* **-рок** контрамарка (1 томоша жойларига кириш учун билет ўрнида пулсиз бериладиган қоғоз, талон; **получи́ть** ~**у на премье́ру** премьерага кириш учун контрамарка олмоқ; 2 томоша залидан чиқиб-кириш учун бериладиган талон).

КОНТРАМА́РОЧНЫЙ, -ая, -ое контрамаркага оид; контрамарка...

КОНТРАПУ́НКТ *м муз.* контрапункт (музика назариясининг кўп овозлилик принциплари ҳақидаги бўлими); **тео́рия** ~**а** контрапункт назарияси.

КОНТРАПУНКТИ́ЧЕСКИЙ, -ая, -ое *муз.* контрапунктга оид; контрапункт принципларига асосланган.

КОНТРАПУ́НКТНЫЙ, -ая, -ое *муз.* контрапунктга оид; контрапункт...; ~**класс консервато́рии** консерваториянинг контрапункт класси (бўлими).

КОНТРА́СТ *м* контраст (1 кўзга ташланадиган қарама-қаршилик, кескин фарқ); **в её хара́ктере стра́нные** ~**ы** унинг характерида ғалати қарама-қаршиликлар (контрастлар) бор; 2 контраст тасвирий санъат, фото ёки телевизорда ёруғлик ёки рангларнинг кескин ўзгариши.

КОНТРАСТИ́РОВА/ТЬ *несов. с кем-чем* кескин фарқ қилмоқ (ажралиб турмоқ); кескин қарама-қарши бўлмоқ, бир-бирининг акси бўлмоқ, зид тушмоқ; **зелёный газо́н ре́зко** ~**л с белизно́й то́лько что вы́павшего сне́га** кўм-кўк газон эндигина ёққан оппоқ қорда кескин ажралиб турарди.

КОНТРА́СТНОСТЬ *ж* кескин фарқ қилиш, мос келмаслик, хил тушмаслик, зидлик; кескин фарқ, қарама-қаршилик; ~ **колори́та карти́ны** картина колоритидаги кескин қарама-қаршилик.

КОНТРА́СТН/ЫЙ, -ая, -ое; -тен, -тна 1 кескин фарқ қиладиган, бир-бирига зид, қарама-қарши, акс; ~**ые мне́ния** бир-бирига зид фикрлар; ~**ые цвета́** бир-бирига хил тушмайдиган ранглар; 2 *фото* контраст (ранглари бир-биридан кескин фарқ қиладиган (оқ-қора) тасвир; ~**ая бума́га** контраст қоғоз (суратни аниқ-равшан туширадиган фотоқоғоз).

КОНТРАТА́К/А *ж* контратака, қарши атака; **пойти́ в** ~**у** контратакага ўтмоқ, қарши атакага ташланмоқ, қарши атака қилмоқ.

КОНТРАТАКОВА́ТЬ, -ку́ю, -ку́ешь *сов.* и *несов. кого* контратака (қарши атака) қилмоқ; қарши атакага ташланмоқ; ~ **проти́вника** душманга қарши контратакага ташланмоқ.

КОНТРАФАГО́Т *м муз.* контрафагот (фаготнинг энг паст овозли тури).

КОНТРАФА́КЦИЯ *ж* контрафакция 1 *юр.* бировнинг асарини қонунга хилоф равишда қайта бостириб, авторлик ҳуқуқини бузиш; 2 адабий асарни сохталаштириб чиқариш.

КОНТРГА́ЙКА *ж, р. мн.* **-а́ек** *тех.* контргайка (асосий гайка бўшаб кетмаслиги учун унинг устидан бураб қўйиладиган иккинчи гайка).

КОНТРДА́НС *м* контрданс (тўрт, олти ёки саккиз жуфт бўлиб тушиладиган қадимий рақс ва унинг музыкаси).

КОНТРИБУЦИО́ННЫЙ, -ая, -ое контрибуцияга оид; контрибуция...; ~ **взнос** контрибуция взноси.

КОНТРИБУ́ЦИЯ *ж* контрибуция (1 урушда енгилган давлат ғолиб давлатга тўлайдиган товон; 2 уруш вақтида босиб олинган ер аҳолисидан олинадиган солиқ).

КОНТРМАНЁВР *м воен.* контрманёвр (душман маневрига қарши қилинадиган манёвр).

КОНТРМИ́НА *ж воен.* контрмина (душман миналарини яқинлаштирмаслик учун қўйиладиган миналар).

КОНТРНАСТУПЛЕ́НИЕ *с* қарши ҳужум; **перейти́ в** ~ қарши ҳужумга ўтмоқ.

КОНТРОВЕ́РЗА *ж книжн.* ихтилоф, жанжалли масала, тортишув.

КОНТРОЛЁР *м* контролёр, текширувчи, назоратчи; **железнодоро́жный** ~ темир йўл контролёри.

КОНТРОЛЁРСКИЙ, -ая, -ое контролерларга оид; контролёрлик...; контролёр(лар)...

КОНТРОЛЁРША *ж разг.* контролёр аёл.

КОНТРОЛИ́РОВАНИЕ *с по гл.* **контроли́ровать;** ~ **выполне́ния пла́на** планнинг бажарилишини назорат қилиш.

КОНТРОЛИ́РОВАТЬ *несов.* (*сов.* **проконтроли́ровать**) *кого-что* текширмоқ, контроль (назорат) қилмоқ, контроллик қилиб турмоқ; назорат остига олмоқ; ~ **рабо́ту** ишни назорат қилмоқ; ~ **уча́щихся** ўқувчиларни назорат қилмоқ (текшириб турмоқ).

КОНТРО́ЛЛЕР *м тех.* контроллер (трамвай, электровоз, юк кўтарадиган машина ва ш. к. даги электромотор ишини ростлаб турадиган аппарат); **магни́тный** ~ магнитли контроллёр.

КОНТРО́ЛЬ *м* 1 контроль, назорат; **взять под** ~ *кого-что-л.* контроль (назорат) остига олмоқ; **осуществля́ть** ~ *над кем-чем-л.* бирор кимса ёки нарса устидан назорат (контроллик) қилмоқ; 2 контроль (идора, корхона ва ш. к. ишини назорат қилиб турувчи муассаса); **госуда́рственный** ~ давлат контроли; **наро́дный** ~ халқ контроли; 3 *собир.* контролёрлар, назоратчилар, текширувчилар.

КОНТРО́ЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое 1 контроллик қиладиган, назорат қилиб (текшириб) турадиган; контроль...; **назо-**

www.ziyouz.com kutubxonasi

рат...; ~ый о́рган контроль (назорат) органи; ~ый пост контроль (назорат) пости; 2 контроль (текшириш) учун хизмат қиладиган (белгиланган); контроль...; ~ая рабо́та контроль иш; ~ые весы́ контроль тарози; текшириш тарозиси; 3 *в знач. сущ.* ~ая *ж разг.* контроль иш (ўқув юртларида); ✦ ~ые ци́фры контроль рақамлар (халқ хўжалигини планлаштиришда белгиланадиган миқдорий кўрсаткичлар).

КОНТРПА́Р *м тех.* контрпар (машинани тезроқ тўхтатиш учун унинг буғ двигатели цилиндрига одатдагига қарама-қарши йўналтириладиган буғ).

КОНТРПРЕДЛО́ЖЕНИЕ *с* қарши (муқобил) таклиф; **внести́** (или **сде́лать**) ~ қарши таклиф киритмоқ.

КОНТРРАЗВЕ́ДК/А *ж, р. мн.* **-док** контрразведка (душман разведкасига, жосусларига, диверсантларига ва пропагандасига қарши кураш олиб борувчи махсус ташкилот); о́рганы ~и контрразведка ташкилотлари.

КОНТРРАЗВЕ́ДЧИК *м* контрразведкачи, контрразведка ходими.

КОНТРРЕВОЛЮЦИОНЕ́Р *м* контрреволюционер, контрреволюция қатнашчиси, революция душмани; аксилинқилобчи (*эск.*).

КОНТРРЕВОЛЮЦИОНЕ́РКА *ж, р. мн.* **-рок** *см.* **контрреволюционе́р.**

КОНТРРЕВОЛЮЦИО́ННЫЙ, -ая, -ое; -нен, -нна революцияга қарши қаратилган, контрреволюцион, аксилинқилобий (*эск.*).

КОНТРРЕВОЛЮЦИЯ *ж* контрреволюция; аксилинқилоб (*эск.*).

КОНТРУДА́Р *м* қарши зарба; жавоб зарбаси; **нанести́** ~ қарши зарба (жавоб зарбаси) бермоқ.

КОНТРФО́РС *м архит.* контрфорс, ғишт тирговуч.

КО́НТР/Ы *мн. (ед.* **конта́** *ж) прост.* тескари чиқишиш, ўчакишиб (қаршилашиб) қолиш, зидлик; **быть в ~ах** *с кем-л.* бирор кимса билан қаршилашиб (ўчакишиб) қолмоқ.

КОНТРЭСКА́РП *м воен.* контрэскарп (истеҳком хандақининг душман томонига қиялаб тушган дўнглиги; тепаликнинг душманга кўринмайдиган томонида танкларга қарши ковланган чуқурлар).

КОНТУ́ЖЕНЫЙ, -ая, -ое *прил. от* **контýзия** контузияланган; контузия бўлган; ~ **солда́т** контузия бўлган солдат.

КОНТУ́ЗИТЬ, -у́жу, -у́зишь *сов. кого* контузияламоқ, контузия қилмоқ, ташқи жароҳатсиз шикаст етказмоқ.

КОНТУ́ЗИ/Я *ж* контузия (қаттиқ зарб, портлаш натижасида етган жароҳатсиз шикаст); **лёгкая ~я** енгил контузия; **тяжёлая** (или **си́льная**) **~я** оғир контузия; **после́дствие ~и** контузия оқибати.

КО́НТУР *м* 1 контур, сиртқи кўриниш, шакл; ~ **де́рева** дарахтнинг ташқи кўриниши, контури; **~ы домо́в** уйларнинг ташқи кўриниши, контури; **начерти́ть ~ голово́й** бош контурини (сиртқи кўринишини) чизмоқ; 2 *эл. радио* контур, электр занжири; **за́мкнутый ~** ёпиқ (берк) контур; **колеба́тельный ~** тебраниш контури.

КО́НТУРН/ЫЙ, -ая, -ое контур тарзидаги; контур...; **~ое изображе́ние** контур равишидаги тасвир; контур тасвири; ✦ **~ая ка́рта** *геогр.* контур карта, ёзувсиз карта; **~ая ли́ния** контур чизиқ (нуқталардан иборат чизиқ).

КОНУРА́ *ж* 1 итнинг уйчаси (каталаги); 2 *перен. разг.* тор уй, ҳужра, кулба, каталак.

КО́НУС *м* 1 *мат.* конус; **усечённый ~** кесик конус; **бокова́я пове́рхность ~а** конуснинг ён сирти; 2 конус шаклидаги нарса; конус; ~ **вулка́на** вулкан конуси.

КОНУСН/ЫЙ, -ая, -ое 1 *мат.* конусга оид; конус...; 2 конус шаклидаги; **~ая вту́лка** конус шаклидаги втулка.

КОНУСОВИ́ДНЫЙ. -ая, -ое; -ден, -дна конуссимон, конусга ўхшаган.

КОНУСООБРА́ЗН/ЫЙ, -ая, -ое; -зен, -зна *то же, что* **конусови́дный; ~ая со́пка** конус шаклидаги тепалик; **~ая я́ма** конуссимон чуқурлик.

КОНФЕДЕРА́Т *м* конфедерат (1 конфедерацияга кирган давлат ёки ташкилот; 2 *ист.* конфедерация иштирокчиси; *см.* **конфедера́ция** 3).

КОНФЕДЕРА́ТКА I *ж, р. мн.* **-ток** конфедератка (тўрт каржли полякча бош кийим).

КОНФЕДЕРА́ТКА II *ж, р. мн.* **-ток** *см.* **конфедера́т** 2.

КОНФЕДЕРА́ЦИЯ *ж* конфедерация (1 баъзи ташкилотларнинг иттифоқи, бирлашмаси; **Конфедера́ция труда́** Меҳнат конфедерацияси (Франция Касаба союзлари бирлашмаси); 2 Мустақил давлатлар иттифоқи; 3 Польша дворянларининг феодал-крепостнойлик даврида тузилган иттифоқи).

КОНФЕКЦИО́Н *м* конфекцион (аёллар кийими магазини ёки ателеси).

КОНФЕКЦИО́ННЫ/Й, -ая, -ое тайёр аёллар кийимига оид; **~е изде́лия** аёлларнинг тайёр кийимлари.

КОНФЕРА́НС *м* конферанс (конферансье чиқишлари ва уларнинг тексти).

КОНФЕРАНСЬЕ́ *м нескл.* конферансье (программани олиб борувчи ва ора-сира қизиқ гаплар билан томошабинларни машғул қилувчи артист).

КОНФЕРЕ́НЦ-ЗАЛ *м* конференц-зал (тантанали мажлислар, конференциялар ўтказиладиган катта зал).

КОНФЕРЕ́НЦИЯ *ж* конференция; **международна́я** ~ халқаро конференция; **нау́чная** ~ илмий конференция; **парти́йная** ~ партия конференцияси; **учи́тельская** ~ ўқитувчилар конференцияси.

КОНФЕРИ́РОВАТЬ *несов. что* конферансьелик қилмоқ.

КОНФЕССИОНА́ЛЬНЫ/Й -ая, -ое *уст.* черковга оид, диний; **~е шко́лы** черков мактаблари.

КОНФЕ́Т/А *ж* конфет; **фрукто́вые ~ы** мевали конфетлар; **шокола́дная ~а** шоколад(ли) конфет.

КОНФЕ́ТКА *ж, р. мн.* **-ток** *уменьш. от* **конфе́та;** ✦ **как ~** *разг.* чақмоқдай, қўғирчоқдай (ясанган, безанган).

КОНФЕ́ТН/ЫЙ, -ая, -ое 1 конфетга оид; конфет(а)...; **~ая обёртка** конфет қоғози; **~ая фа́брика** конфет фабрикаси; 2 *перен.* кўнгилга урадиган, меъдага тегадиган, энса қотирадиган, чучмал; **~ая вне́шность** энса қотирадиган қиёфа.

КОНФЕТТИ́ *с нескл.* конфетти (байрам ва маскарадларда кишилар устидан сочиладиган рангли қоғоз тангачалар).

КОНФИГУРА́ЦИЯ *ж* конфигурация (1 ташқи кўриниш, қиёфа, сурат, шакл; ~ **бе́рега** қирғоқнинг шакли, кўриниши; 2 нарсаларнинг бир-бирига нисбатан тутган ўрни, жойланиши; ~ **звёзд** юлдузларнинг жойланиши).

КОНФИДЕНЦИА́ЛЬНО *нареч.* махфий равишда, ҳеч кимга билдирмасдан, яширин.

КОНФИДЕНЦИА́ЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое; -лен, -льна махфий, ошкор қилиб бўлмайдиган, сир тутиладиган (сақланадиган); **~ая бесе́да** махфий суҳбат; **~ая про́сьба** махфий илтимос.

КОНФИРМА́ЦИЯ *ж* конфирмация (1 буржуа мамлакатларида: суд ҳукмининг олий ҳокимият томонидан тасдиқланиши; 2 болаларни ёки бошқа диндаги кишиларни черков аҳли қаторига қўшиш, диндор қилиш маросими).

КОНФИРМОВА́ТЬ, -му́ю, -му́ешь *сов.* и *несов.* 1 *что юр.* конфирмация қилмоқ, тасдиқламоқ; 2 *кого* конфирмация қилмоқ, конфирмация маросимини ўтказиб диндорлар сафига қўшмоқ.

КОНФИРМОВА́ТЬСЯ, -му́юсь, -му́ешься 1 *сов.* и *несов.* конфирмация қилинмоқ, диндорлар сафига қўшилмоқ; 2 *несов. страд. от* **конфирмова́ть.**

КОНФИСКА́ЦИЯ *ж* 1 конфискация, мусодара; конфискация (мусодара) қилиш; 2 конфискация, ман этиб олиб қўйиш, йиғиштириб олиш.

КОНФИСКОВА́ТЬ, -ку́ю, -ку́ешь *сов.* и *несов. что* 1 конфискация (мусодара) қилмоқ; ~ **иму́щество** мол-мулкни мусодара қилмоқ; 2 конфискация қилмоқ, ман этиб олиб қўймоқ, йиғиштириб олмоқ; ~ **нелега́льную литерату́ру** нолегал адабиётни конфискация қилмоқ.

КОНФЛИ́КТ *м* конфликт, тўқнашув, ихтилоф, жанжал, низо, можаро; **вое́нный ~** ҳарбий тўқнашув; **вооружённый ~** қуролли тўқнашув; **международ́ный ~** халқаро низо (конфликт); ~ **мне́ний** фикрлар тўқнашуви; **суде́бный ~** судда кўриладиган жанжал; **семе́йный ~** оилавий жанжал (можаро).

КОНФЛИ́КТН/ЫЙ, -ая, -ое низоли, жанжалли; **~ое де́ло** жанжалли иш; ✦ **~ая коми́ссия** конфликт комиссия-

www.ziyouz.com kutubxonasi

си (маъмурият билан ишчи-хизматчилар ўртасидаги жанжални бартараф қилувчи комиссия).

КОНФО́РКА *ж, р. мн.* **-рок** 1 кампирак (самоварда); 2 плита қопқоғи.

КОНФРОНТА́ЦИЯ *ж* қарама-қаршилик, бир-бирига қарши бўлиш, қарши туриш, адоват.

КОНФУ́З *м разг.* ўнғайсиз аҳвол, ўнғайсизлик; уят, хижолат, ўсаллик, уятга қолиш, хижолат тортиш, ўсал бўлиш; **произошёл ~** ўнғайсизлик юз берди.

КОНФУ́ЗИТЬ, -у́жу, -у́зишь *несов.* (*сов.* **сконфу́зить**) *кого* ўнғайсиз аҳволга солмоқ; уялтирмоқ, ўсал (изза) қилмоқ, хижолатга қўймоқ хижолатда қолдирмоқ.

КОНФУ́ЗИТЬСЯ, -у́жусь, -у́зишься *несов.* (*сов.* **сконфу́зиться**) ўнғайсиз аҳволга тушмоқ, уялмоқ, ўсал (изза) бўлмоқ, хижолатга қолмоқ, хижолат тортмоқ.

КОНФУ́ЗЛИВОСТЬ *ж* салга уялиш, хижолат тортиш, уятчанлик.

КОНФУ́ЗЛИВЫЙ, -ая, -ое 1 салга уялиб (қизариб) кетадиган, номусаки; уятчан; **~ челове́к** номусаки одам; 2 хижолатликни ифодалайдиган; хижолат тортган, хижолатли; **~ вид** хижолатли кўриниш; **~ответ** хижолат аралаш (хижолатомуз) жавоб.

КОНФУ́ЗНО *разг.* 1 *нареч.* хижолатда, хижолат билан, хижолат тортиб; 2 *безл. в знач. сказ. кому* хижолатда қолди, ўнғайсиз аҳволга тушиб қолди, ўсал (изза) бўлди.

КОНФУ́ЗНЫЙ, -ая, -ое *разг.* ўнғайсиз аҳволга соладиган, уялтирадиган, ўсал қиладиган, хижолатга (уятга) қўядиган, қизартирадиган; **~ слу́чай** хижолатга (ўнғайсиз аҳволга) соладиган воқеа.

КОНЦЕВ/О́Й, -а́я, -о́е сўнгги, охирги, энг кейинги; **~а́я строка́** охирги сатр.

КОНЦЕНТРА́Т *м* концентрат (1 тайёр қуруқ масаллиқ; **ка́ша из ~а** концентратдан тайёрланган каша; 2 *с.-х.* кучли ем-хашак; 3 *горн.* бойитилган руда; **ру́дный ~** руда концентрати).

КОНЦЕНТРАЦИО́ННЫЙ: ~ ла́герь концентрацион лагерь (капиталистик мамлакатларда: революция арбоблари, шунингдек асирлар, маҳбуслар қамаладиган махсус лагерь).

КОНЦЕНТРА́ЦИ/Я *ж* 1 *по гл.* **концентри́ровать** и **концентри́роваться; ~я населе́ния** аҳолининг бирор жойда зич жойланиши (яшаши); **~я произво́дства** ишлаб чиқаришнинг бир ерга (бир қўлда) тўпланиши; 2 *хим.* концентрация (қуюқлик, тўйинганлик, бойиганлик даражаси); **раство́р высо́кой ~и** юқори концентрацияли эритма, қуюқ эритма.

КОНЦЕНТРИ́РОВАНИЕ *с то же, что* **концентра́ция** 1; **~ войск** аскарни бир жойга тўплаш; қўшиннинг бир ерга тўпланиши; **~ раство́ра** эритмани қуюқлаштириш; эритманинг қуюлиши; **~ руды** рудани бойитиш; руданинг бойиши.

КОНЦЕНТРИ́РОВАНН/ЫЙ, -ая, -ое 1 *прич. от* **концентри́ровать;** 2 *в знач. прил.* бирор нарсага қаратилган, жалб этилган, тўпланган; **~ое внима́ние** бир жойга тўпланган (бирор нарсага қаратилган) диққат; 3 *в знач. прил. хим.* тўйинган, қуюқ; **~ая кислота́** тўйинган кислота, қуюқ кислота; 4 *в знач. прил. горн.* бойитилган, концентрацияланган.

КОНЦЕНТРИ́РОВАТЬ *несов. что* 1 (*сов.* **сконцентри́ровать**) тўпламоқ, йиғмоқ, жамламоқ; **~ си́лы** кучларни тўпламоқ; 2 *перен.* бирор нарсага жалб этмоқ; қаратмоқ, тўпламоқ; **~ внима́ние** *на чём-л.* диққатни бирор нарсага қаратмоқ; 3 *хим.* тўйинтирмоқ, қуюқлаштирмоқ; **~ раство́р** эритмани қуюқлаштирмоқ; 4 *горн.* бойитмоқ, концентрацияламоқ.

КОНЦЕНТРИ́РОВА/ТЬСЯ, -руется *несов.* 1 (*сов.* **сконцентри́роваться**) тўпланмоқ, йиғилмоқ, жамланмоқ; **~ться на пло́щади** майдонга тўпланмоқ; 2 *перен.* жалб этилмоқ, тўпланмоқ, қаратилмоқ; **всё внима́ние ~лось на выполне́нии ответственного зада́ния** бутун эътибор масъулиятли топшириқни бажаришга қаратилди; 3 *хим.* тўйинмоқ, қуюқлашмоқ; 4 *горн.* бойимоқ; концентрацияланмоқ; 5 *страд. от* **концентри́ровать.**

КОНЦЕНТРИ́ЧЕСКИ/Й, -ая, -ое концентрик (битта умумий марказга эга бўлган); **~е круги́** концентрик айланалар (доиралар).

КОНЦЕ́НТРИЧНОСТЬ *ж* концентриклик (битта умумий марказга эгалик); **~ круго́в** доираларнинг концентриклиги.

КОНЦЕНТРИ́ЧНЫЙ, -ая, -ое; -чен, -чна *то же, что* **концентри́ческий.**

КОНЦЕ́НТРЫ *мн.* (*ед.* **конце́нтр** *м*) *мат.* концентрик доиралар, айланалар.

КОНЦЕ́ПЦИЯ *ж* концепция (1 қарашлар системаси; тушуниш; **нау́чная ~** илмий концепция; 2 асосий фикр, моҳият, мағиз; **~ рома́на** романнинг асосий моҳияти).

КОНЦЕ́РН *м* концерн (капиталистик саноат, транспорт, савдо корхоналари ва банкларининг умумий молиявий раҳбарлик остидаги монополистик бирлашмаси).

КОНЦЕ́РТ *м* 1 **концерт; симфони́ческий ~** симфоник концерт; **~ молоды́х исполни́телей** ёш ижрочилар концерти; 2 концерт (**оркестр** жўрлигида якка чолғу билан ижро этиладиган музика асари); **~ для скри́пки** скрипка учун белгиланган концерт; **~ для фортепья́но с оркестром** оркестр жўрлигидаги фортепьяно концерти; ✦ **коша́чий ~** *см.* **коша́чий.**

КОНЦЕРТА́НТ *м* концертант (**концерт** берувчи артист).

КОНЦЕРТА́НТКА *ж, р. мн.* **-ток** *см.* **концерта́нт.**

КОНЦЕРТИ́НО *с нескл. муз.* концертино (1 олти қиррали гармонь; 2 концерт **типидаги** содда музика асари; *см.* **конце́рт** 2).

КОНЦЕРТИ́РОВАТЬ *несов.* концерт бермоқ.

КОНЦЕРТМЕ́ЙСТЕР *м* концертмейстер (1 оркестрда: бошловчи машшоқ ёки солист; 2 ашулачиларни машқ қилдирувчи, тайёрловчи пианист).

КОНЦЕРТМЕ́ЙСТЕРСКИЙ, -ая, -ое концертмейстерга ва концертмейстерликка оид; концертмейстер...; концертмейстерлик...

КОНЦЕ́РТН/ЫЙ, -ая, -ое концертга оид; концерт...; **~ый зал** концерт зали; **~ая му́зыка** концерт музикаси; ✦ **~ый рояль** концерт рояли (катта рояль).

КОНЦЕССИОНЕ́Р *м* концессионер, концессиячи, концессия эгаси.

КОНЦЕССИОНЕ́РСКИЙ, -ая, -ое концессионерга оид, қарашли; концессионер(лар)...; **~ капита́л** концессионер(лар) капитали.

КОНЦЕССИО́НН/ЫЙ, -ая, -ое концессияга оид, концессия асосидаги; концессион; концессия...; **~ое предприя́тие** концессион (концессия асосида ташкил этилган) корхона; ✦ **~ый догово́р** *то же, что* **конце́ссия** 1.

КОНЦЕ́ССИ/Я *ж эк.* концессия (1 ер, кон, корхона ва ш. к. дан фойдаланиш ҳақида давлат билан айрим капиталист ёки фирма ўртасида тузиладиган шартнома; **международно́дные ~и** халқаро концессиялар; **предоста́вить ~ю** концессияга бермоқ; 2 шундай шартнома асосида ташкил этилган корхона).

КОНЦЛА́ГЕРЬ *м* (концентрацио́нный ла́герь) концлагерь, концентрацион лагерь.

КОНЦО́ВКА *ж, р. мн.* **-вок** 1 *полигр.* китоб ва унинг бўлимлари охиридаги безак, лавҳа; 2 хотима, охирги қисм; охир; **~ фи́льма** фильм хотимаси.

КОНЧА́ТЬ *несов. см.* **ко́нчить.**

КОНЧА́ТЬСЯ *несов. см.* **ко́нчиться.**

КОНЧА́Я 1 *деепр. от* **конча́ть;** 2 *предлог с тв.* **ҳатто**... гача..., ...га қадар; **в по́ле вы́шли все, начина́я с дете́й и ~ старика́ми** далага болалардан тортиб чолларгача — ҳамма чиқди.

КО́НЧЕН/НЫЙ, -ая, -ое 1 *прич. от* **ко́нчить;** 2 *безл. в знач. сказ.* **~о** *разг.* тамом бўлди, тугади, йиғиштирилди; **с учёньем бы́ло ~о** ўқиш йиғиштирилган эди; 3 *безл. в знач. сказ.* **~о** бас, етар, бўлди, энди тамом; **~о, бо́льше ты никуда́ не пойдёшь** бўлди, энди сен ҳеч қаёққа бормайсан; ✦ **всё ~о** 1) бутунлай (узил-кесил, батамом) ҳал бўлди; иш битти; 2) бутунлай йўқ (барбод, тамом) бўлди, битти; **и ~о** 1) бўлди, гап (иш) тамом, вассалом, 2) бўлди (ўлди, битти) деявер.

www.ziyouz.com kutubxonasi

КО́НЧЕН/ЫЙ, -ая, -ое *разг.* битган, узил-кесил ҳал бўлган; **де́ло ~ое** ҳал бўлган иш; ✦ **~ый челове́к** ишдан (одамгарчиликдан) чиққан одам; тамом бўлган одам.

КО́НЧИК *м* уч, охир, учгина; **~ верёвки** арқоннинг учи (учгинаси); **~ но́са** бурунниng учи (учгинаси).

КОНЧИ́НА *ж высок.* ўлим, вафот, қазо; **безвре́менная ~** бевақт ўлим.

КО́НЧИТЬ *сов.* (*несов.* **конча́ть**) 1 *что, с чем и с неопр.* тамомламоқ, тугалламоқ, тугатмоқ, тамом қилмоқ, битирмоқ, охирига етказмоқ; **~ сев** экишни тамомламоқ; **~ жа́тву** ўрим-йиғимни тамомламоқ; 2 *что, что чем, на чём* тамомламоқ, тугатмоқ, якунламоқ; **~ докла́д цита́той** докладни цитата билан тугатмоқ; **нача́ть сме́хом, а ~ слеза́ми** кулги билан бошлаб, йиғи билан тамомламоқ; 3 *чем* охири (оқибатда) бирор даражага етмоқ, бирор ҳолга тушмоқ, бирор иш қилмоқ; **~ благополу́чно** охири эсон-омон қутулмоқ, яхшилик билан тугатмоқ; **~ слу́жбу вы́ходом в отста́вку** охири истеъфога чиқмоқ; истеъфога чиқиб хизматни тугатмоқ; 4 *что кем* тамомламоқ, битирмоқ; тамомлаб (битириб) чиқмоқ; таҳсил кўрмоқ; **~ те́хникум** техникумни битирмоқ; **он ко́нчил университе́т** у университетни тамомлаган (университетда таҳсил кўрган); **~ курс ихтио́логом** курсни битириб, ихтиолог бўлиб чиқмоқ; 5 *что, с чем* хотима (барҳам) бермоқ, ташламоқ, қўймоқ, йиғиштирмоқ; **~ с наруше́нием дисципли́ны** интизомсизликка барҳам бермоқ; интизомсизликни қўймоқ; 6 *с кем-чем* орани очиқ қилмоқ, алоқани узмоқ; 7 *кого прост.* ўлдирмоқ, бир ёқли қилмоқ, гумдон қилмоқ; ✦ **~ век** (или **жизнь**) ўлмоқ, қазо қилмоқ, вафот этмоқ, оламдан ўтмоқ, кўз юммоқ; **пло́хо** (или **ду́рно, скве́рно**) **~** охири ёмон (хор-зор) бўлмоқ; охири вой бўлмоқ.

КО́НЧИ/ТЬСЯ, -ится *сов.* (*несов.* **конча́ться**) 1 тамом бўлмоқ, тугамоқ, битмоқ; **уро́к ~лся** дарс тамом бўлди; **день ~лся** кун (кеч кирди) тугади; 2 одоқ бўлмоқ, тамом бўлмоқ, тугамоқ; **са́хар ~лся** шакар тугади (қолмади); 3 охирламоқ, охирига етмоқ, охири кўринмоқ; **сад ~лся у реки́** дарё бўйига етгач, боғ охирлади; 4 *чем* и *без доп.* -га бориб етмоқ, ...билан тугамоқ, якунламоқ; **де́ло ~лось ссо́рой** иш жанжал билан тугади (жанжалга бориб етди, айланиб кетди); **всё ~лось благополу́чно** ҳамма иш яхшилик билан тугади; 5 *разг.* ўлмоқ, вафот этмоқ, қазо қилмоқ, оламдан ўтмоқ, кўз юммоқ.

КОНЪЕКТУ́РА *ж* 1 *уст.* фараз, тахмин; 2 *спец.* конъектура (бузилган, хиралашган эски ёзувни тахмин билан тузатиш, тиклаш).

КОНЪЮНКТИ́ВА *ж анат.* конъюнктива (кўз жилди, шиллиқ пардаси).

КОНЪЮНКТИВИ́Т *м мед.* конъюнктивит (кўз жилди, шиллиқ пардасининг яллиғланиши).

КОНЪЮНКТУ́РА *ж* конъюнктура, аҳвол (1 бирор соҳада юзага келган аҳвол, вазият, мавжуд шароит; **междунаро́дная ~** халқаро аҳвол; **полити́ческая ~** сиёсий аҳвол; сиёсий шароит; 2 *эк.* капиталистик хўжалик аҳволини белгилайдиган аломатлар — нарх-наво, қийматли қоғозлар курси, маҳсулот миқдори ва ш. к. мажмуи; **~ на вне́шнем ры́нке** ташқи бозордаги аҳвол; **хозя́йственная ~** хўжаликдаги аҳвол; хўжалик конъюнктураси).

КОНЪЮНКТУ́РНЫЙ, -ая, -ое конъюнктурага оид, конъюнктура билан боғланган; конъюнктура...

КОНЪЮНКТУ́РЩИК *м разг.* аҳволга қараб иш тутадиган принципсиз одам; тарозининг палласи оққан томонга оғадиган устомон.

КОНЪЮНКТУ́РЩИНА *ж разг.* аҳволга қараб иш тутиш, оғмачилик, тутуриқсизлик, принципсизлик.

КОНЬ *м, р.* **-ня́** 1 от; **поро́дистый ~** наслдор (зотли) от; 2 *шахм.* асп, от; **ходи́ть конём** отни юрмоқ (сурмоқ); 3 *спорт.* конь, эшак; **упражне́ния на коне́** конда қилинадиган машқлар; конь машқлари; ✦ **по ко́ням!** (или **на́ ~!** *уст.*) отларга минилсин! (команда); **не в коня́ корм** бекорчи, фойдасиз; тиши ўтмайди, кучи етмайди, йўл бўлсин, фойдасиз уриниш, сарф-харажат ёки ҳаракат ҳақида; **дарёному коню́ в зу́бы не смо́трят** *погов.* берганнинг бетига қарама; узумини е-ю, боғини сўрама; **~ (ещё) не вали́лся** *погов.* ҳали бирор иш қилингани йўқ, иш жойидан жилгани йўқ; **ход конём** охири ишга солинган қатъий чора, йўл.

КОНЬК/И́ *мн.* (*ед.* **конёк** *м*) 1 коньки; **бегова́ые ~и́** пойга конькиси; **фигу́рные ~и́** фигурали коньки; **ката́ться на ~а́х** конькида учмоқ, коньки отмоқ; 2 *разг.* коньки спорти, конькида учиш; коньки отиш.

КОНЬКОБЕ́ЖЕЦ *м, р.* **-жца** конькичи (конькида югурувчи спортчи).

КОНЬКОБЕ́ЖНЫЙ, -ая, -ое конькида югуришга (яхмалак отишга) оид; конькида югуриш (учиш)...; **~ спорт** конькида югуриш (учиш) спорти; коньки спорти.

КОНЬЯ́К *м, р.* **-а́** и **-у́** коньяк.

КОНЬЯ́ЧН/ЫЙ, -ая, -ое коньякка оид; коньякли; коньяк...; **~ая буты́лка** коньяк шишаси (бутилкаси).

КО́НЮХ *м* отбоқар, сайс.

КОНЮ́ШЕННЫ/Й, -ая, -ое 1 отхонага оид; отхонадаги, отхона...; **~й свод** отхона гумбази; **~е ло́шади** отхонадаги отлар; 2 *в знач. сущ.* **~й** *м уст. то же, что* **коню́ший 2**; ✦ **~й прика́з** *ист.* от-уловлар маҳкамаси (15—17- асрларда Москва давлатида подшо отхоналари ва от-уловларига қараган маҳкама).

КОНЮ́ШИЙ *м, р.* **-его** 1 *ист.* от-уловлар маҳкамасининг бошлиғи, мирохўр; 2 *уст.* бош отбоқар.

КОНЮ́ШН/Я *ж, р. мн.* **-шен** 1 отхона; 2 *собир.* кимсага қарашли отлар; от-улов; **скакова́я ~я** кимсага қарашли югурик (чопқир) отлар; 3 *перен.* ифлос (итирқини) жой, отхона, оғилхона; ✦ **а́вгиевы ~и** *см.* **а́вгиев.**

КОНЯ́ГА *м* и *ж прост.* от (аравакаш от); **рабо́чая ~** иш оти.

КООПЕРАТИ́В *м* кооператив (1 кооперация ташкилоти; **жили́щный ~** уй-жой кооперативи; 2 *разг.* кооператив магазини).

КООПЕРАТИ́ВНО-КОЛХО́ЗН/ЫЙ, -ая, -ое кооперативколхоз...; **~ая со́бственность** кооператив-колхоз мулки.

КООПЕРАТИ́ВН/ЫЙ, -ая, -ое кооперативга оид, қарашли; кооперация асосидаги; кооператив...; **~ое строи́тельство** кооператив (кооперация асосидаги) қурилиш; **~ая торго́вля** кооператив савдо(си).

КООПЕРА́ТОР *м* кооператор, кооперация ходими.

КООПЕРА́ЦИЯ *ж* кооперация (1 биргалик ва меҳнат тақсимоти асосида ишни ташкил этиш формаси; 2 пайчиларнинг оммавий савдо-сотиқ ёки ишлаб чиқариш жамияти, бирлашмаси; **потреби́тельская ~** матлубот кооперацияси; **промысло́вая ~** ҳунармандчилик кооперацияси; **сельскохозя́йственная ~** қишлоқ хўжалик кооперацияси; 3 *разг.* кооператив магазини).

КООПЕРИ́РОВАНИЕ *с по гл.* **коопери́ровать** и **коопери́роваться; ~ предприя́тий** корхоналарни кооперациялаштириш.

КООПЕРИ́РОВАТЬ *сов.* и *несов. что* кооперативлаштирмоқ, кооперацияламоқ, кооперация асосида ташкил этмоқ, бирлаштирмоқ; **~ се́льское хозя́йство** қишлоқ хўжалигини кооперативлаштирмоқ

КООПЕРИ́РОВАТЬСЯ 1 *сов.* и *несов.* кооперативлашмоқ, кооперация асосида бирлашмоқ, уюшмоқ; 2 *несов. страд. от* **коопери́ровать.**

КООПТА́ЦИЯ *ж* кооптация (сайланма орган составини қўшимча сайлов ўтказмасдан тўлдириш); **~ в ме́стком** местком составини тўлдириш (кооптация қилиш).

КООПТИ́РОВАТЬ *сов.* и *несов. кого* кооптация қилмоқ, тўлдирмоқ; **~ в профко́м двух рабо́тников** профком составини икки ходим билан тўлдирмоқ; профком составига икки ходимни кооптация қилмоқ.

КООРДИНА́ТН/ЫЙ, -ая, -ое координатга оид; координата(лар)...; **~ая ось** координата ўқи; **~ая систе́ма** координаталар системаси.

КООРДИНА́ТЫ *мн.* (*ед.* **координа́та** *ж*) 1 координаталар (нуқтанинг текислик ёки фазодаги вазиятини белгилайдиган миқдорлар); **астроно́мические ~** астрономик координаталар; **географи́ческие ~** географик координаталар; 2 *перен. разг.* кимсанинг, нарсанинг турган жойи, адреси; **запиши́те мои́ ~** менинг координаталаримни ёзиб олинг.

КООРДИНАЦИО́ННО-ВЫЧИСЛИ́ТЕЛЬНЫЙ, -ая, -ое координат-ҳисоблаш...; **~ центр** координат-ҳисоблаш маркази.

www.ziyouz.com kutubxonasi

КООРДИНАЦИО́НН/ЫЙ, -ая, -ое координацион, координацияловчи; координациялаш...; **~ая комиссия** координацион (координацияловчи) комиссия; **~ые мероприя́тия** координацияловчи тадбирлар; координациялаш тадбирлари.

КООРДИНА́ЦИ/Я *ж* 1 *по гл.* **координи́ровать**; **~я научных иссле́дований** илмий тадқиқотларни координациялаш (ўзаро мувофиқлаштириш); **~я пла́нов** планларни координациялаш (ўзаро мувофиқлаш); 2 ўзаро мослик, мувофиқлик; **~я движе́ний** ҳаракатларнинг ўзаро мослиги (мувофиқлиги); **наруше́ние ~и** ҳаракатдаги координациянинг бузилиши, ҳаракатларнинг бир-бирига номувофиқ бўлиб юриши.

КООРДИНИ́РОВАНИЕ *с то же, что* **координа́ция** 1; **~ пла́нов** планларни координациялаш.

КООРДИНИ́РОВАННОСТЬ *ж* ўзаро координацияланганлик, мослик, мувофиқлик; **~ де́йствий** ҳаракатларнинг координацияланганлиги, ўзаро мувофиқлиги.

КООРДИНИ́РОВАТЬ *сов.* и *несов. что* координациялamoқ, ўзаро мосламоқ, мувофиқлаштирмоқ, тўғриламоқ; уйғунлаштирмоқ; **~ де́йствия пехо́ты и та́нков** пиёда ва танк қўшинлари ҳаракатини ўзаро мувофиқлаштирмоқ.

КООРДИНИ́РОВАТЬСЯ, -руется 1 *сов.* и *несов.* координацияланмоқ, ўзаро мосланмоқ, тўғриланмоқ, уйғунлашмоқ; 2 *несов. страд. от* **координи́ровать**.

КОПА́Л *м* копал (баъзи ўсимликларнинг ердан топиладиган қолдиғи — қазилма смоласи; лок, линолеум тайёрлашда ишлатилади).

КОПА́ЛКА *ж, р. мн.* **-лок** *обл.* ер қазийдиган қурол, курак.

КОПА́ЛОВЫЙ, -ая, -ое копалга оид; копалдан тайёрланган; копал...; **~ лак** копал локи, копалдан тайёрланган лок.

КОПА́НИЕ *с* 1 *по гл.* **копа́ть**; **~ гря́док** пушталарни чопиқ қилиш (юмшатиш); **~ коло́дца** қудуқ қазиш; 2 *по гл.* **копа́ться** 1, 2; **~ в я́щиках стола́** стол яшигини ковлаштириш (титиш, титкилаш).

КОПА́ТЕЛЬ *м* 1 *уст.* қазувчи (ковловчи) ишчи; 2 қазиш (ковлаш) машинаси; **~ ша́хтных коло́дцев** шахта қудуғини қазувчи машина.

КОПА́ТЕЛЬНЫ/Й, -ая, -ое қазийдиган, ковлайдиган, қазувчи; ковлаш...; қазиш...; **~е маши́ны** қазийдиган (ковлайдиган) машиналар, қазиш (ковлаш) машиналари.

КОПА́ТЬ *несов. что* 1 (*сов.* **копну́ть**) чопмоқ, юмшатмоқ, чопиқ қилмоқ; **~ зе́млю** ер чопмоқ; **~ огоро́д** полизни чопмоқ (чопиқ қилмоқ); 2 (*сов.* **вы́копать**) ковламоқ, қазимоқ; қазиб чуқурлаштирмоқ; **~ ары́к** ариқ қазимоқ; **~ коло́дец** қудуқ қазимоқ; 3 (*сов.* **вы́копать**) ковлаб (қазиб) олмоқ; ковламоқ, қазимоқ; **~ карто́фель** картошка қазиб олмоқ, картошка ковламоқ.

КОПА́ТЬСЯ *несов.* 1 *в чём* ковламоқ, қазимоқ, чуқурламоқ, ўймоқ; **~ в песке́** қум ковламоқ, қумни ковлаб ўтирмоқ (ўйнамоқ); 2 *в чём разг.* ковлаштирмоқ, титмоқ, титкиламоқ; **~ в гардеро́бе** гардеробни ковлаштирмоқ; **~ в портфе́ле** портфелни ковлаштирмоқ; 3 *перен. в чём* синчковлик билан суриштирмоқ; синчиклаб текширмоқ; ковлаштирмоқ; ўйлаб кўрмоқ; **~ в душе́** дилидагини ковлаштирмоқ; дилига қўл солиб кўрмоқ; **~ в свои́х пережива́ниях** ўз кечинмаларини бир-бир ўйлаб кўрмоқ; 4 *прост.* имилламоқ, имирсиламоқ, жуда секин ҳаракат қилмоқ; уриниб ётмоқ; **~ с уро́ками** дарс тайёрлашга уриниб ётмоқ; уриниб дарс тайёрламоқ; **что ты там копа́ешься?** у ерда нима қилиб имирсилаб ўтирибсан?; 5 *страд. от* **копа́ть**; ✦ **~ в гря́зном бельё** *чьём см.* **гря́зный**.

КОПА́Ч *м, р.* **-а́** 1 *обл.* ер қазувчи; 2 *спец.* и *обл.* қазиш (ковлаш) қуроли, машинаси.

КОПЕ́ЕЧК/А *ж, р. мн.* **-чек** *уменьш.-ласк. от* **копе́йка** бир тийин;

✦ **в ~у стать** (или **обойти́сь, влете́ть** и т. п.) жуда қимматга тушмоқ, пулга келмоқ.

КОПЕ́ЕЧНИК *м разг.* бир тийиннинг юзига (ҳисобига) борадиган (тийин устида тиш синдирадиган) одам, қаттиқ одам, қурумсоқ, мумсиқ, пасткаш.

КОПЕ́ЕЧНИЦА *ж разг. см.* **копе́ечник**.

КОПЕ́ЕЧНИЧАТЬ *несов. разг.* бир тийиннинг юзига (ҳисобига) бормоқ, тийин устида тиш синдирмоқ, пасткашлик (қурумсоқлик) қилмоқ.

КОПЕ́ЕЧН/ЫЙ, -ая, -ое 1 бир тийинлик, бир тийин турадиган; **~ая моне́та** бир тийинлик чақа; 2 жуда арзон, сув текин; **~ая све́чка** жуда арзон шам; сув текин шам; **~ая статуэ́тка** жуда арзон ҳайкалча; 3 арзимас, арзимаган, майда-чуйда, **~ые расхо́ды** арзимас (арзимаган) харажатлар, майда-чуйда харажатлар; **~ое вознагражде́ние за рабо́ту** арзимас иш ҳақи; 4 *перен.* бир пулга қиммат одам; паст (пасткаш) одам.

КОПЕ́ЙК/А *ж, р. мн.* **-е́ек** 1 тийин, бир тийин, бир тийинлик чақа; **три ~и** уч тийин; **~а рубль бережёт** *погов.* тийин сўмни асрайди; 2 *собир. разг.* пул, маблағ; **бере́чь наро́дную ~у** халқ тийинини (пулини) асрамоқ (эҳтиёт қилмоқ); ✦ **без ~и (де́нег)** бир тийини йўқ, бир пули ҳам йўқ, бир тийинсиз, бир чақасиз; **без ~и в карма́не** чўнтагида бир тийини йўқ; қуп-қуруқ; **до (после́дней) ~и** (израсхо́довать, истра́тить и т. п.) охирги тийинигача, бир тийинини ҳам қолдирмай; **на ~у** жуда оз, арзимаган даражада; **ни ~и** бир тийини ҳам йўқ; муллақуруқ; **ни на ~у (нет)** сира ҳам йўқ; мутлақо йўқ; **с ~ами ...**сўму бир неча тийин; ... сўмдан сал ортиқроқ; **э́то сто́ит рубль с ~ами** бу бир сўмдан сал ортиқроқ (бир сўму бир неча тийин) туради; **~а в ~у** тийин-тийинига тўғри қилиб, бир тийинини ҳам нари-бери қилмасдан; тийини-тийинига тўғри келди, тўппа-тўғри чиқди; **поста́вить ребро́м после́днюю ~у** тантилик қилиб (тантилиги тутиб) бор-йўғини (охирги тийинигача) сарфламоқ; **за ~у уступи́ть** (или **отда́ть**) жуда арзонга сотмоқ; сув текин сотмоқ; **поги́бнуть** (или **пропа́сть**) **ни за ~у** бекорга (арзимаган нарса учун) ўлиб кетмоқ (ҳалок ёки хароб бўлмоқ); **дрожа́ть** (или **трясти́сь**) **над ка́ждой ~ой** тийин устида қалтирамоқ, бир тийинини ҳам қисиб-қимтиб сарфламоқ; **как одну́ ~у** (заплати́ть, вы́ложить, истра́тить и т. п.) бир тийинини ҳам қолдирмасдан тўламоқ; тўла-тўкис тўламоқ.

КОПЁР *м, р.* **-пра́** копёр (1 қурилишларда қозиқ қоқадиган қурилма; 2 лабораторияларда материалларнинг зарбга чидамлилигини аниқлайдиган мослама; 3 шахталар устидаги кўтариш қурилмаси).

КО́ПИ *мн. (ед.* **копь** *ж)* кон; конлар; **соляны́е ~** туз конлари.

КОПИ́ЙСТ *м* 1 *уст.* копиянавис (копия олувчи, нусха кўчирувчи котиб); 2 кўчирмачи рассом (бошқа рассомларнинг асарларидан нусха кўтарувчи рассом).

КОПИ́ЛКА *ж, р. мн.* **-лок** ғаладон, ақчадон (чақа, танга ташлаб пул йиғиладиган тирқишли қутича); ✦ **~ курьёзов** қизиқ фактлар, ажойиботлар тўплами.

КОПИ́РК/А *ж, р. мн.* **-рок** *разг.* копирка (кўчиргич қоғоз); **писа́ть под ~у** копирка қўйиб ёзмоқ.

КОПИРОВА́ЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое нусха кўчирадиган, нусха кўчириш учун ишлатиладиган; нусха кўчириш...; копирка...; **~ая бума́га** копирка қоғоз; **~ый цех** нусха кўчириш цехи.

КОПИРОВА́ЛЬЩИК *м то же, что* **копиро́вщик**.

КОПИРОВА́ЛЬЩИЦА *ж см.* **копирова́льщик**.

КОПИ́РОВАНИЕ *с по гл.* **копи́ровать**; **~ карти́н** расмлардан нусха кўчириш; **~ пла́на уча́стка** участка планидан нусха кўчириш; **~ *чьего-л.* го́лоса** бировнинг овозига тақлид қилиш, бировнинг овозига ўхшатиш.

КОПИ́РОВАТЬ *несов.* (*сов.* **скопи́ровать**) 1 *что* нусха кўчирмоқ, копия олмоқ, нусха кўтармоқ, копировка қилмоқ; **~ чертёж** чизмадан нусха кўчирмоқ; **~ при по́мощи гекто́графа** гектограф воситасида копия кўчирмоқ; 2 *кого-что* тақлид қилмоқ, ўхшатмоқ; **~ *чью-л.* похо́дку** бировнинг юришига тақлид қилмоқ.

КОПИРО́ВКА *ж, разг.* копировка, нусха кўчириш, копия олиш; **~ ка́рты** картадан нусха олиш (кўтариш); **~ портре́та** портретдан копия олиш.

КОПИРО́ВОЧНЫ/Й, -ая, -ое нусха кўчирадиган, нусха кўчириш учун белгиланган; нусха кўчириш...; копировка...; **~й инструме́нт** нусха кўчирадиган асбоб; **~е рабо́ты** нусха кўчириш ишлари; копировка ишлари.

КОПИРО́ВЩИК *м* копировкачи, нусха кўчирувчи (чизмакаш).

www.ziyouz.com kutubxonasi

КОПИРО́ВЩИЦА *ж см.* **копиро́вщик.**

КОПИ́ТЬ, коплю́, ко́пишь *несов.* (*сов.* **накопи́ть**) *что* 1 тўпламоқ, йиғмоқ, жамғармоқ, ғамламоқ, қўр қилмоқ; ~ **де́ньги** пул тўпламоқ, пул йиғмоқ; 2 *перен.* тўпламоқ, йиғмоқ, йиғиб юрмоқ, ичга ютиб (солиб) юрмоқ; ~ **зна́ния** билим тўпламоқ; ~ **наблюде́ния** кузатишларни тўпламоқ.

КОПИ́/ТЬСЯ, ко́пится *несов.* (*сов.* **накопи́ться**) 1 тўпланмоқ, йиғилмоқ; жамғарилмоқ; **у перепра́вы ко́пятся лю́ди** кечик олдида одамлар (халқ) тўпланиб бормоқда; 2 *страд. от* **копи́ть.**

КО́ПИ/Я *ж* 1 копия, нусха, кўчирма; ~**я а́кта** акт копияси; ~**я портре́та** портрет копияси; **уда́чная** ~**я** яхши чиққан копия; **снима́ть** ~**ю** копия олмоқ, нусха кўчирмоқ (олмоқ, кўтармоқ); 2 *перен. разг.* айнан ўзи, худди ўзгинаси; **он** ~**я отца́** у отасининг ўзгинаси; **жива́я (вы́литая)** ~**я** худди ўзига ўхшаган, айнан ўзгинаси, қуйиб қўйгандек ўхшаш.

КО́ПКА *ж то же, что* **копа́ние** 1; ~ **гря́док** пушталарни юмшатиш, пуштани чопиқ қилиш; ~ **коло́дца** қудуқ ковлаш, қудуқ қазиш.

КО́ПНА *ж, мн.* **ко́пны,** *р.* **-пён,** *дат.* **-пна́м** ғарам, уюм, тўп; ~ **се́на** пичан ғарами; **высо́кая** ~ баланд ғарам (уюм, тўп); ✦ ~ **воло́с** ҳурпайган қалин соч.

КОПНЕ́НИЕ *с. с.-х. по гл.* **копни́ть;** ~ **соло́мы** похолни ғарамлаш (тўплаш, уйиш).

КОПНИ́ТЕЛЬ *м* ғарамлагич; ғарамловчи (ғарамлайдиган) машина.

КОПНИ́ТЬ *несов.* (*сов.* **скопни́ть**) *что* ғарамламоқ, ғарам қилмоқ, уймоқ; ~ **се́но** пичан ғарамламоқ.

КОПНУ́ТЬ *сов. однокр.* 1 *см.* **копа́ть** 1; 2 *перен.* ковлаштирмоқ, суриштирмоқ, ковлаштириб (синчиклаб текшириб) кўрмоқ, тагига етмоқ; **сто́ит** ~ **глу́бже — и всё прояс-ни́тся** чуқурроқ текшириб кўрсанг бас, ҳаммаси равшан бўлади-қолади.

КОПОТЛИ́ВОСТЬ *ж разг.* 1 сустлик, сусткашлик, имиллаганлик; судралганлик; ~ **движе́ний** ҳаракатларнинг сустлиги; 2 кўп меҳнат талаб қиладиганлик; сермеҳнат, сердиққат; ~ **рабо́ты** ишнинг сермеҳнатлиги.

КОПОТЛИВ/ЫЙ, -ая, -ое *разг.* 1 суст, сусткаш, имиллаган, судралган, ланж; оғирқарвон; ~**ый челове́к** суст одам, судралган (имиллаган) одам; 2 кўп меҳнат талаб қиладиган; сермеҳнат, сермашаққат, сердиққат; ~**ое зада́ние** кўп меҳнат талаб қиладиган вазифа (топшириқ).

КОПОТНЫЙ, -ая, -ое; -тен, -тна *прост.* дуд (ис) чиқарадиган, серқурум, қурумли.

КОПОТНЯ *ж прост.* имиллаш, имиллаб (секин) иш қилиш; имиллаб ўтириш.

КОПОТУ́Н *м, р.* **-а́** *прост.* суст одам, сусткаш (имиллаган) одам; ланжбоз.

КОПОТУ́НЬЯ *ж, р. мн.* **-ний** *см.* **копоту́н.**

КО́ПОТЬ *ж* қурум, қоракуя, дуд, ис; **покры́ться** ~**ю** қурум босмоқ, қурум билан қопланмоқ.

КОПОШИ́/ТЬСЯ *несов.* 1 ғимирламоқ, ғимирлашмоқ, биж-биж қайнамоқ, ғужғон ўйнамоқ; **под де́ревом** ~**лись мураве́й** дарахт остида чумолилар ғиж-биж қайнаб ётарди (ғужғон ўйнар эди); 2 *перен.* безовта қилмоқ, ковлаб ётмоқ; миядан чиқмаслик; **в голове́** ~**лись трево́жные мы́сли** ташвишли хаёллар миясидан чиқмас эди, ташвишли хаёллар миясини ковлаб ётарди; 3 *разг.* бирор нарса устида уриниб ётмоқ, ғимирламоқ, овора бўлмоқ, ковлаштирмоқ; ~**ться в мото́ре** моторни тузатишга уриниб ётмоқ; моторни ковлаштирмоқ; ~**ться с ремо́нтом** ремонт билан овора бўлмоқ.

КО́ПРА и **КОПРА́** *ж* копра (кокос ёнғоғининг мағзи).

КОПРОВ/ЫЙ, -ая, -ое копрага оид; копрали; копрадан тайёрланган; ~**ое мы́ло** копра совуни, копрали совун.

КОПРОВ/О́Й, -а́я, -о́е 1 копёрга оид, копёрда бўладиган; копёр...; ~**а́я ба́ба** копёр тўқмоғи; ~**о́й стано́к** копёр станоги; 2 *в знач. сущ.* ~**о́й** *м* копёрда ишловчи ишчи.

КОПТ/Е́ТЬ I, -ти́т *несов.* (*сов.* **закопте́ть**) тутамоқ, буруқсамоқ; қурум босмоқ, дуд (ис) босиб қолмоқ; **ла́мпа си́льно** ~**и́т** чироғ жуда тутаяпти.

КОПТЕ́ТЬ II, -пчу́, -пти́шь *несов.* 1 *прост.* ис (пўпанак) босиб ётмоқ, умрини бекорга ўтказмоқ; 2 *над чем и без доп. разг. уст. то же, что* **корпе́ть;** ~ **над словаре́м** луғат устида тиришиб-тирмашиб ишламоқ.

КОПТИ́ЛК/А *ж, р. мн.* **-лок** 1 *разг.* лип-лип чироқ, қора чироқ, ис чироқ; 2 *прост. то же, что* **копти́льня.**

КОПТИ́ЛЬНЫЙ, -ая, -ое дудлайдиган, ислайдиган, дудлаб (ислаб) сур гўшт тайёрлайдиган; дудлаш...; ~ **цех** гўшт (балиқ) дудлаш цехи.

КОПТИ́ЛЬНЯ *ж, р. мн.* **-лен** дудхона (гўшт, балиқ дудлайдиган жой, хона).

КОПТИ́ТЕЛЬ *м:* ~ **не́ба** умрини (кунини) бекорга ўтказувчи одам, ялқов, такасалтанг.

КОПТИ́Т/Ь, -пчу́, -пти́шь *несов.* 1 (*сов.* **накопти́ть**) тутамоқ, тутаб ёнмоқ. ис (дуд) чиқармоқ, буруқсамоқ; **ла́мпа** ~ чироқ тутаяпти; 2 (*сов.* **закопти́ть**) *что* дудламоқ, исламоқ; дудлаб қорайтирмоқ; ~**ь стекло́** шишани дудлаб (дудга тутиб) қорайтирмоқ; 3 (*сов.* **закопти́ть**) *что* дудламоқ, дудлаб қуритмоқ, қоқламоқ, сурламоқ; ~**ь ры́бу** балиқни дудламоқ; ✦ **не́бо** ~**ь** кунини (умрини) бекорга ўтказмоқ, ялқовлик (дангасалик) қилмоқ, такасалтанг (ялло қилиб) юрмоқ.

КОПТИ́ТЬСЯ, -и́тся *несов.* 1 ис (қурум) босмоқ, исланмоқ; 2 дудланмоқ, қоқланмоқ, сурланмоқ, қоқ (сур) бўлмоқ; 3 *страд. от* **копти́ть** 2, 3.

КОПУЛИ́РОВАТЬ *сов.* и *несов.* 1 *что с.-х.* қаламча пайванд қилмоқ; 2 *биол.* ўзаро жуфт-жуфт бўлиб қўшилмоқ (тубан организмлар ҳақида).

КОПУЛИРО́ВКА *ж с.-х.* қаламча пайванд қилиш; ~ **чере́шен** гилосларни қаламча пайванд қилиш.

КОПУЛЯ́ЦИЯ *ж биол.* копуляция (содда организмларда ҳужайраларнинг жуфт-жуфт қўшилишидан иборат жинсий процесс).

КОПУ́Н *м, р.* **-а́** *разг.* имиллаган (имирсилаган) одам, эпашанг.

КОПУ́НЬЯ *ж, р. мн.* **-ний** *разг. см.* **копу́н.**

КОПУ́ША *м* и *ж разг. то же, что* **копу́н** и **копу́нья.**

КОПЧЁН/ИЕ *с* 1 *по гл.* **копти́ть** 3; 2 *мн.* ~**ья** *то же, что* **копчёности.**

КОПЧЁНОСТИ *мн.* (*ед.* **копчёность** *ж*) дудланган гўшт, балиқ ва ш. к.

КОПЧЁН/ЫЙ, -ая, -ое 1 дудланган, исланган, дудлаб қотирилган, сур, қоқ; ~**ый суда́к** дудланган судак; ~**ое мя́со** сур гўшт; 2 ис, қурум билан қопланган (қорайтирилган); ~**ое стекло́** дудлаб қорайтирилган ойна.

КО́ПЧИК *м анат.* дум суяги, думғаза.

КО́ПЧИКОВЫЙ, -ая, -ое *анат.* думғазага, дум суягига оид; думғаза...; ~ **позвоно́к** думғаза умуртқаси.

КОПЧУ́ШКА *ж, р. мн.* **-шек** *разг.* дудланган **майда** балиқ.

КОПЫЛ *м, р.* **-а́,** *мн.* **-ы́лья** *обл.* чана шотиси.

КОПЫТНЫ/Й, -ая, -ое 1 туёққа оид; туёқли(лар)...; ~**е боле́зни** туёқ касалликлари; 2 туёқли; ~**е живо́тные** туёқли ҳайвонлар (сутэмизувчилар); 3 *в знач. сущ.* ~**е** *мн.* туёқлилар (сутэмизувчи ҳайвонларнинг бир туркуми); **отря́д** ~**ых** туёқлилар туркуми.

КОПЫТО *с* туёқ; ~ **ло́шади** от туёғи.

КОПЫТЦЕ *с. р. мн.* **-тец** *уменьш.-ласк. от* **копы́то** туёқча.

КОПЬ *ж см.* **ко́пи.**

КОПЬЁ I *с, мн.* **ко́пья,** *р.* **-пий,** *дат.* **-пьям** найза; **металли́ческое** ~ металл найза; **мета́ть** ~ найза отмоқ, найза ирғитмоқ.

КОПЬ/Ё II *с:* **без** ~**я** *прост.* бир тийини ҳам йўқ; бир тийинсиз; **ни** ~**я (нет)** *прост.* бирор тийин ҳам пули йўқ, муллақуруқ.

КОПЬЕВИ́ДНЫЙ, -ая, -ое найзасимон, найзага ўхшаган; ~ **орна́мент** найзасимон нақш.

КОПЬЕМЕТА́ТЕЛЬ *м спорт.* найза отувчи, найза ирғитувчи.

КОПЬЕНО́СЕЦ *м, р.* **-сца** найзабардор, найза кўтарган аскар.

КОПЬЕЦО́ *с уменьш. от* **копьё** I кичкина найза, найзача.

КОРА́ *ж* 1 пўстлоқ, пўст, қобиқ; ~ **де́рева** дарахт пўстлоғи; **ело́вая** ~ қорақарағай пўсти (пўстлоғи); 2 парда; қобиқ; қатлам; **ледяна́я** ~ муз пардаси, муз қатлами;

www.ziyouz.com kutubxonasi

~ **гли́ны** лойнинг устки қатлами (юзи); ✦ **земна́я** ~ ер қобиғи, ернинг устки қаттиқ қатлами; ~ **головно́го мо́зга** бош мия қобиғи.

КОРАБЕ́Л *м* кемасоз (ишчи, инженер, мутахассис).

КОРАБЕ́ЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое 1 кемага оид; кема...; ~**ая ма́чта** кема мачтаси; 2 кема ясайдиган (ясаладиган); кемасозлик...; кема...; ~**ая верфь** кемасозлик верфи (кема ясайдиган ва ремонт қиладиган корхона); ✦ ~**ый лес** кемабоп дарахтлар ўрмони (ёғочи кемабоп дарахтлар, мас., қарағай ўрмони).

КОРАБЕ́ЛЬЩИК *м* 1 *уст.* кема эгаси, кема хўжайини; 2 денгизчи; 3 *разг.* кемасоз.

КОРАБЛЕВОЖДЕ́НИЕ *с* кема юргизиш илми ва санъати.

КОРАБЛЕКРУШЕ́НИЕ *с* кема ҳалокати, кеманинг ҳалокатга учраши, ғарқ бўлиши; **потерпе́ть** ~ кема ҳалокатига учрамоқ.

КОРАБЛЕСТРОЕ́НИЕ *с* кемасозлик.

КОРАБЛЕСТРОИ́ТЕЛЬ *м* кемасоз.

КОРАБЛЕСТРОИ́ТЕЛЬНЫЙ, -ая, -ое кемасозликка оид; кемасозлик...; ~ **институ́т** кемасозлик институти.

КОРА́БЛИК *м* 1 *уменьш. от* **кора́бль** кичкина кема, кемача; 2 ўйинчоқ кема, кемача; **пуска́ть** ~**и** ўйинчоқ кемаларни (кемачаларни) сувга қўйиб юбормоқ.

КОРА́БЛ/Ь *м, р.* **-ля́** 1 кема; **вое́нный** ~**ь** ҳарбий кема; **океа́нский** ~**ь** океан кемаси; 2 кема (учиш аппарати); **возду́шный** ~**ь** ҳаво кемаси; **косми́ческий** ~**ь** космик кема; 3 *архит.* бутхонанинг ўрта қисми; ✦ **сжига́ть свои́** ~**и** ўз кемаларини ёқиб юбормоқ (яъни орқага қайтиш, чекиниш йўлини кесиб қўймоқ).

КОРА́ЛЛ *м* маржон (1 *зоол.* бир жойда бир-бирига ёпишиб яшовчи денгиз ҳайвони; **коло́ния** ~**ов** маржонлар колонияси; 2 шу ҳайвонларнинг тошга айланган қолдиғи ва ундан ясалган безак буюми; **ожере́лье из** ~**ов** маржон шодаси, бир шода маржон; **носи́ть** ~**ы** маржон буюмлар тақмоқ).

КОРА́ЛЛОВ/ЫЙ, -ая, -ое 1 маржонга оид; маржон...; ~**ый риф** маржон рифлари (қоялари); ~**ые острова́** маржон ороллари; 2 маржондан қилинган, маржон...; ~**ое ожере́лье** маржон шодаси, бир шода маржон; 3 қип-қизил, маржондай қизил; ~**ый шёлк** қип-қизил шойи.

КОРА́ЛЬКИ *мн. уст.* маржон буюм, тақинчоқ.

КОРА́Н *м* қуръон.

КОРВЕ́Т *м мор.* корвет (1 уч мачтали елканли кема; 2 Иккинчи жаҳон уруши йилларида инглиз флотида сув ости қайиқларига қарши ишлатилган енгил соқчи ёки разведкачи ҳарбий кема).

КОРД *м спец.* корд (1 пишиқ ип; 2 ўриши йўғон, арқоғи ингичка пишиқ мато).

КОРД/А *ж спец.* корда (1 пишиқ ип; тор; 2 узун тизгин (от ўргатиш ёки ўйнатиш учун); **гоня́ть ло́шадь на** ~**е** узун тизгин боғлаб от ўйнатиш).

КОРДЕБАЛЕ́Т *м* кордебалет (балетда кўп кишилик рақсларни ижро этувчи артистлар группаси).

КОРДЕБАЛЕ́ТНЫЙ, -ая, -ое кордебалетга оид; кордебалет...

КОРДЕГА́РДИЯ *ж уст. воен.* қоровулхона.

КО́РДН/ЫЙ, -ая, -ое корд ишлаб чиқадиган, корд тайёрлайдиган; корд...; ~**ое произво́дство** корд ишлаб чиқариш.

КОРДО́БА *ж* кордоба (Никарагуада пул бирлиги).

КО́РДОВЫЙ, -ая, -ое *то же, что* **ко́рдный.**

КОРДОДРО́М *м спорт.* кордодром (тизгин билан от ўргатиладиган ёки ўйнатиладиган майдон).

КОРДО́Н *м* кордон (1 чегарачилар ёки соқчилар отряди, занжири; **вое́нный** ~ ҳарбий кордон, ҳарбий соқчилар отряди, занжири; **установи́ть** ~ соқчилар қўймоқ; 2 соқчилар ўрнашган жой; **лесно́й** ~ ўрмон кордони (қоровулхонаси); **тамо́женный** ~ божхона; 3 *обл.* чегара; **перейти́ за** ~ чегарадан ўтмоқ; **перебро́сить че́рез** ~ чегарадан ўтказмоқ.

КОРДО́ННЫЙ, -ая, -ое кордонга оид; кордон...; ~**ое хозя́йство** кордон хўжалиги.

КОРЕВ/О́Й, -а́я, -о́е қизамиққа оид; қизамиқ...; ~**а́я сы́пь** қизамиқ тошмаси.

КОРЕЕ́Ц *м, р.* **-е́йца** корейс; *см.* **коре́йцы.**

КОРЁЖИ/ТЬ *несов. прост.* 1 *(сов.* **искорёжить** и **покорёжить)** *что* эгмоқ, синдирмоқ, йиқитмоқ, томири билан ағдариб ташламоқ; **бу́ря** ~**ла дере́вья** бўрон дарахтларни синдириб, ағдариб ташламоқда эди; 2 *(сов.* **искорёжить** и **покорёжить)** что қайиштирмоқ, қийшайтирмоқ, бужмайтирмоқ; **фане́ру** ~**т от сы́рости** намлик фанерани қайиштириб қўйяпти; фанера намликдан бужмайиб кетяпти (қолаяпти); 3 *безл. кого прост.* тиришмоқ, увушмоқ; тириштирмоқ, увуштирмоқ, бужмайтирмоқ (оғриқдан); **меня́ всего́** ~**т** этим увушиб кетяпти; 4 *перен. кого* ғазабни қўзғатмоқ, зардани қайнатмоқ, жиғига тегмоқ; **меня́** ~**т её гру́бость** унинг дағаллиги ғазабимни қайнатяпти.

КОРЁЖИ/ТЬСЯ *несов. прост.* 1 қайишмоқ, қийшаймоқ, бужмаймоқ; **бума́га** ~**тся от вла́ги** қоғоз намдан (буғдан) бужмайиб қолди; 2 тирчшмоқ, увушмоқ; томири тортишмоқ; ~**ться от бо́ли** оғриқдан тиришмоқ.

КОРЕ́ЙКА *ж* тўш, (чўчқа ёки бузоқнинг) тўш гўшти.

КОРЕ́ЙСКИЙ, -ая, -ое Кореяга ва корейсларга оид; Корея...; корейс(лар)...; ~ **язы́к** корейс тили.

КОРЕ́ЙЦЫ *мн. (ед.* **коре́ец** *м,* **корея́нка** *ж)* корейслар; корея халқи.

КОРЕНА́СТЫЙ, -ая, -ое 1 чорпахил (гирдиғум) одам; калтабақай, миқти, бақалоқ; ~ **ма́льчик** калтабақай (миқти) бола; 2 йўғон, илдизи бақувват (дарахт); ~ **дуб** йўғон, илдизи бақувват эман.

КОРЕН/И́ТЬСЯ, -и́тся *несов. в чём* 1 асосланмоқ, негизланмоқ; келиб чиқмоқ, туғилмоқ; **суеве́рие** ~**и́тся в невéжестве** хурофотнинг илдизи нодонликдадир, хурофот нодонликдан келиб чиқади; 2 *перен.* жойлашмоқ, жой олмоқ; илдиз отмоқ; **в его́ душе́** ~**и́лась одна́ заве́тная мечта́** унинг кўнглида бир эзгу ният жой олган эди.

КОРЕННИ́К *м, р.* **-а́** 1 шотига қўшилган от, бош от (аравага қўшилган учта отнинг ўртадагиси); 2 *обл.* тубжойли, ерли, маҳаллий, туб (аҳоли, хизматчи ва ш. к. ҳақида).

КОРЕНН/О́Й, -а́я, -о́е 1 тубжой, тубжойли, ерли, маҳаллий, асосий, туб; ~**ы́е жи́тели** маҳаллий халқ; ~**о́е населе́ние** ерли (маҳаллий) аҳоли; 2 асосий, туб; тубли; ~**о́й вопро́с** асосий масала; ~**ы́е интере́сы** туб манфаатлар; ~**о́й поворо́т** тубдан ўзгариш (бурилиш); 3 *спец.* и *обл.* бош, асосий, энг катта; ~**ой штрек** *горн.* бош штрек; ~**о́е ру́сло реки́** дарёнинг бош (асосий) ўзани; ~**а́я ма́чта** бош (асосий) мачта; 4 *в знач. сущ.* ~**о́й** *м то же, что* **коренни́к** 1; ✦ ~**ы́е зу́бы** озиқ тишлар, жағ тишлари; ~**ы́м о́бразом** тубдан, тубли равишда, бутунлай, батамом, тамоман, тамомила, бошдан-оёқ.

КО́РЕНЬ *м, р.* **-рня** 1 *бот.* илдиз; ~ **де́рева** дарахт илдизи; 2 туп (дарахтларни санашда, дарахтлар ҳисобида); **сад в два́дцать корне́й** йигирма туп дарахтли боғ; 3 илдизмева; 4 *мн.* **коре́нья** овқатга солинадиган баъзи илдизли кўкатлар; илдизли ошкўклар (лухпар, сабзи, петрушка); **суп с коре́ньями** кўкат солинган суюқ овқат; 5 *анат.* томир, илдиз; туб; ~ **во́лоса** сочнинг томири (илдизи); ~ **зу́ба** тиш томири (илдизи); ~ **но́гтя** тирноқнинг туби (илдизи); 6 *перен.* туб, таг, илдиз, манба, сабаб; ~ **зла** балонинг илдизи (сабаби); ~ **оши́бки** хато манбаи (сабаби); 7 *грам.* ўзак; ~ **глаго́ла** феъл ўзаги; ~ **сло́ва** сўз(нинг) ўзаги; 8 *мат.* илдиз, радикал; **квадра́тный** ~ квадрат илдиз; **куби́ческий** ~ куб илдиз; **показа́тель ко́рня** илдиз кўрсаткичи; **извле́чь** ~ илдизини топмоқ; ✦ **в ко́рне** бутунлай, таг-тубидан; таг-туби (таг-томири) билан; **в ко́рне пресе́чь** *что-л.* бошданоқ йўқ қилмоқ, илдизини қуритмоқ; **на корню́** ўсиб турган жойида, ўрилмаган ҳолда, кўклайин (ғалла экинлари ҳақида); ~ **жи́зни** одамгиёҳ, женьшень; **пусти́ть ко́рни** илдиз отмоқ; **врасти́** (или **прирасти́**) **корня́ми** маҳкам ўрнашмоқ, томир ёймоқ, илдиз отмоқ; **красне́ть (покрасне́ть) до корне́й воло́с** қулоғигача қизармоқ, қип-қизариб кетмоқ, лавлаги бўлиб кетмоқ; **запря́чь** (или **заложи́ть**) **в** ~ шотига қўшмоқ, бош от қилиб қўшмоқ; **смотре́ть** (или **гляде́ть**) **в** ~ моҳиятини тушунмоқ, тагини, аслини билиб олмоқ; **подорва́ть** (или **подруби́ть, подкоси́ть**) **под** ~ тагига (илдизига) болта урмоқ, қаттиқ путур етказмоқ; **вы́рвать** (или **уничто́жить**) **с ко́рнем** таг-томири

www.ziyouz.com kutubxonasi

билан юлиб ташламоқ, батамом йўқ қилмоқ, илдизини қуритмоқ.

КОРЕ́Ц *м, р.* **-рца́** *обл.* чўмич.

КОРЕШКО́ВЫЙ, -ая, -ое 1 корешок 1—3 га оид; корешок...; 2 илдиздан (илдиз ёғочидан) қилинган; ~ **мундшту́к** илдиздан ясалган мундштук.

КОРЕШО́К *м, р.* **-шка́** 1 *уменьш. от* **ко́рень** 1, 2, 5 томирча, илдизча, илдиз, томир; ~ **зу́ба** тиш илдизи; 2 *мн.* **корешки́** *разг. то же, что* **коре́нья** *см.* **ко́рень** 4; **суп с корешка́ми** кўкат (ошкўклар) солинган суюқ ош; 3 *полигр.* корешок (китоб, дафтар ва ш. к. нинг туби, тикилган жойи); ~ **кни́ги** китобнинг корешоги (тикилган жойи); 4 корешок (ярми йиртиб олинадиган қоғозларнинг дафтарда қоладиган қисми); ~ **квита́нции** квитанция корешоги; ~ **че́ковой кни́жки** чек китобчасининг корешоги; 5 *прост.* яқин ўртоқ, дўст, оғайни; **мы с ним корешки́** биз у билан оғайнимиз.

КОРЕЯ́НКА *ж, р. мн.* **-нок** корейс аёл, кореянка; *см.* **коре́йцы.**

КОРЖ *м, р.* **-а́** *обл.* лочира; ~ **с ма́ком** кўкнори уруғи сепилган лочира.

КОРЖИ́К *м* 1 *уменьш. от* **корж** *то же, что* **ко́рж**; 2 коржик (ширин пряник тури); ~**и на меду́** асал солинган корж.

КОРЗИ́НА *ж* савэт, кажава, корзина, корзинка; **бельева́я** ~ кийим солинадиган сават, кийимсават; ~ **для бума́г** қоғоз ташланадиган сават; ~ **я́блок** бир сават олма.

КОРЗИ́НКА *ж, р. мн.* **-нок** 1 *уменьш. от* **корзи́на** *то же, что* **корзи́на; про́волочная** ~ сим сават, сим корзинка; 2 *бот.* саватсимон тўпгул; ~ **подсо́лнечника** кунгабоқар тўпгули.

КОРЗИ́ННЫЙ, -ая, -ое саватга оид; сават тўқийдиган.

КОРЗИ́НОЧНЫЙ, -ая, -ое *то же, что* **корзи́нный.**

КОРЗИ́НЩИК *м* саватчи, сават тўқувчи.

КОРЗИ́НЩИЦА *ж см.* **корзи́нщик.**

КОРИА́НДР *м бот.* кашнич.

КОРИАНДРО́В/ЫЙ, -ая, -ое кашничга оид; кашнич...; ~**ое ма́сло** кашнич мойи; ~**ое се́мя** кашнич уруғи.

КОРИДО́Р *м* 1 йўлак, коридор; **шко́льный** ~ мактаб коридори; 2 оралиқдаги тор йўл, оралиқ; **го́рный** ~ тоғдаги тор йўл, тоғ оралиғи; **возду́шный** ~ тор ҳаво йўли.

КОРИДО́РН/ЫЙ, -ая, -ое 1 коридорга, йўлакка оид; коридор...; йўлак...; ~**ый полови́к** коридор гиламчаси; пойандози; 2 *в знач. сущ.* ~**ый** *м,* ~**ая** *ж* меҳмонхонада бир неча номерга қаровчи ходим; ✦ ~**ая систе́ма** коридор системаси (эшиклари умумий коридорга чиқадиган хоналар системаси).

КОРИ́НКА *ж* коринка (қора кишмиш нави); **сушёная** ~ коринка (қора кишмиш) майизи.

КОРИ́НФСК/ИЙ, -ая, -ое *архит.* коринф услубидаги; коринф... (Коринф — қадимги юнон шаҳри); ~**ий о́рдер** коринф ордери (Юнонистонда, Коринфда шаклланган архитектура услуби); ~**ая коло́нна** коринф услубидаги колонна.

КОРИ́ТЬ *несов. разг. кого* 1 уришмоқ, койимоқ, гина қилмоқ, хафа бўлмоқ; ~ **себя́ за легкомы́слие** енгилтаклиги учун ўзидан хафа бўлмоқ (ўзини койимоқ); ~ *кого-л.* **за недосто́йное поведе́ние** кимсани ёмон хулқи (юриш-туриши) учун койимоқ; 2 *кого чем* таъна қилмоқ; юзига солмоқ; ~ **куско́м хле́ба** берган бир бурда нонини таъна қилмоқ (юзига солмоқ).

КОРИФЕ́Й *м* 1 корифей (қадимги юнон трагедиясида хор бошлиғи); 2 *перен. высок.* улуғ (буюк, йирик) арбоб (фанда, адабиётда, санъатда); ~ **ру́сской литерату́ры** рус адабиётининг буюк арбоби; ~ **нау́ки** улуғ (буюк) фан арбоби.

КОРИ́ЦА *ж* долчин.

КОРИ́ЧНЕВ/ЫЙ, -ая, -ое жигар ранг, долчин ранг; ~**ый каранда́ш** жигар ранг қалам; ~**ый костю́м** жигар ранг костюм; ~**ый от загара́** офтобдан қорайган;

✦ ~**ая чума́** *см.* **чума́.**

КОРИ́ЧН/ЫЙ, -ая, -ое *прил. от* **кори́ца**; ~**ое де́рево** долчин дарахти; 2 долчинли; долчиндан олинадиган; долчин...; ~**ый пиро́г** долчин солинган пирог; ~**ое ма́сло** долчин мойи.

КО́РК/А *ж, р. мн.* **-рок** 1 устки қатлам, қобиқ; парда, қатқалоқ; **по́чвенная** ~**а** қатқалоқ; **ледяна́я** ~**а** муз парда; муз қатлами; 2 ноннинг сирти, жилди; **хле́бная** ~**а** ноннинг жилди; ~**а пирога́** пирогнинг жилди; 3 қолган-қутган (қотган-қутган) нарса, бурда; **сухи́е хле́бные** ~**и** қолган-қутган нон; 4 пўчоқ, пўст; **лимо́нная** ~**а** лимон пўсти; ~**а грана́та** анор пўчоғи; 5 пўстлоқ; **и́вовая** ~**а** тол пўстлоғи; ✦ **от** ~**и до** ~**и** бошдан-оёқ, бошидан охиригача; **прочита́ть кни́гу от** ~**и до** ~**и** китобни бошидан охиригача ўқиб чиқмоқ.

КО́РКОВ/ЫЙ, -ая, -ое *анат.* мия қобиғига оид; мия қобиғи...; ~**ое вещество́** мия қобиғи моддаси.

КОРМ *м, мн.* **-а́** 1 хашак, пичан. ем, ем-хашак, озуқа; дон; **зада́ть** ~ хашак солмоқ, ем бермоқ; **дать ку́рам** ~ товуқларга дон бермоқ; **гру́бые** ~**а́** дағал хашак, дағал ем; **со́чные** ~**а́** ширадор, тўйимли ем-хашак; **силосова́ние** ~**о́в** озуқаларни силослаш; **подно́жный** ~ яйловдаги (ўтлоқдаги) ўт; 2 *прост.* емаклик, овқат, ош-нон; 3 ем-хашак бериш; овқат бериш; ✦ **не в коня́** ~ *см.* **конь.**

КОРМ/А́ *ж* қуйруқ қисм, қуйруқ, дум, орқа; ~**а́ су́дна** кема қуйруғи; ~**а́ самоле́та** самолёт қуйруғи (думи); ~**а́ та́нка** танкнинг орқаси (орқа қисми); **огоно́ по** ~**е́** қуйруғига (думига) қараб ўт очмоқ, орқасига (орқасидан) отмоқ; ✦ **ре́зать** ~**у́** *мор.* кема ўтар-ўтмас унинг изини кесмоқ, қуйруғига тегай-тегмай деб ўтмоқ; **за** ~**ой** *мор.* орқада; **за** ~**ой ты́сячу ми́ль** минг миля йўл орқада қолди, минг миля йўл босилди (ўтилди).

КОРМЁЖКА *ж, р. мн.* **-жек** 1 *по гл.* **корми́ть** 1 и **корми́ться** 1; ~ **скота́** молларни боқиш, молларга ем-хашак бериш; 2 овқатланиш жойи (қишда ёввойи ҳайвонлар овқатланадиган жой); 3 *прост.* озиқ-овқат; ош-нон.

КОРМИЛЕЦ *м, р.* **-льца** 1 *прост.* и *офиц.* боқувчи, қаровчи тарбиячи; ~ **семьи́** оила боқувчи(си); оила бошлиғи; 2 *прост. уст.* отахон, валинеъмат (эркакларга мурожаат формаси).

КОРМИЛИЦ/А *ж* 1 энага, бировнинг боласини (эмизиб) боқувчи аёл; 2 *см.* **корми́лец** 1.

КОРМИЛ/О *с* 1 *уст. поэт.* кема рули; 2 *перен.* бошчилик; тепа, жилов; ~**о правле́ния** бошқариш жилови; **приня́ть в свои́ ру́ки** ~**о правле́ния** ҳокимиятни (ҳокимият жиловини) қўлга олмоқ; **стоя́ть у** ~**а вла́сти** ҳокимият тепасида турмоқ, ҳокимиятга бошчилик қилмоқ.

КОРМИ́ТЬ, -млю́, ко́рмишь *несов. кого* 1 *(сов.* **накорми́ть** и **покорми́ть**) овқат бермоқ, боқмоқ; ~ **скот** молларни боқмоқ, молларга овқат (ем-хашак) бермоқ, солмоқ; ~ **госте́й** меҳмонларга овқат бермоқ; 2 *(сов.* **накорми́ть** и **покорми́ть**) едирмоқ, едириб-ичириб қўймоқ, овқатлантирмоқ; ~ **больно́го** беморга овқат бермоқ; беморни овқатлантирмоқ; ~ **ребёнка с ло́жечки** болага қошиқ билан овқат едирмоқ; 3 эмизмоқ; 4 *(сов.* **прокорми́ть**) *перен.* қарамоқ, боқмоқ, ўз қарамоғида тарбияламоқ; ~ **семью́** оилани боқмоқ; 5 *перен.* нон бермоқ, тирикчилигини таъминламоқ, боқмоқ; **охо́тника ко́рмит ружьё** овчини милтиқ боқади; **их ко́рмит огоро́д** уларни боғча боқади, улар боғча орқасида кун кўради (тирикчилик қилади); ✦ **корми́ть вшей** (или **клопо́в**) *прост.* битга (бургага, канага) ем бўлмоқ; ~ **за́втраками** *см.* **за́втрак**; ~ **обеща́ниями** қуруқ ваъдалар билан алдаб юрмоқ; **хле́бом не корми́** *кого* ош берма-нон берма, ...бўлса, бас; **его́ хле́бом не корми́, дай то́лько порисова́ть** унга ош берма-нон берма, расм солиш бўлса, бас; **во́лка но́ги ко́рмят** қобон тиши билан, эшак иши билан (л. м. бўрини оёғи боқади).

КОРМИ́ТЬСЯ, -млю́сь, ко́рмишься *несов.* 1 *(сов.* **покорми́ться**) емоқ, емоқ-ичмоқ, овқатланмоқ, ризқланмоқ; ўтламоқ; **выгоня́ть ло́шадей** ~ **в по́ле** отларни ўтлатиш учун далага чиқармоқ; 2 *чем* ўзини ўзи боқмоқ, кун кўрмоқ (кечирмоқ); тирикчилик қилмоқ (ўтказмоқ); ~ **свои́м трудо́м** ўз меҳнати билан кун кўрмоқ; ~ **уро́ками** дарс бериб тирикчилик қилмоқ.

КОРМЛЕ́НИЕ *с* 1 *по гл.* **корми́ть** 1—3; ~ **ове́ц** қўйларни боқиш; ~ **ребёнка** болани овқатлантириш; болани эмизиш; 2 *ист.* қадимги Русда: мансабдор боярларга му-

www.ziyouz.com kutubxonasi

кофот тариқасида ўз қўл остидаги аҳолидан ўз фойдасига солиқ олиш учун ёрлиқ бериш, суюрғол бериш.

КОРМНЫЙ, -ая, -ое *уст.* и *обл.* 1 боқилган, семиртирилган, бўрдоқи; ~ **индю́к** боқилган курка; 2 ем-хашак сероб бўлган; ~ **год** ем-хашак сероб бўлган йил; ~ **вы́пас** ўт-ўланга сероб ўтлоқ.

КОРМОВ/О́Й I, -а́я, -о́е ем-хашакка оид, ем-хашак (озуқа) бўладиган, хашаки; ем-хашак...; озуқа...; ~**а́я ба́за** ем-хашак базаси; ~**ы́е ресу́рсы** ем-хашак ресурслари; ~**а́я свёкла** хашаки лавлаги; ~**ы́е культу́ры** ем-хашак экинлари; 2 *уст.* овқатга (овқат учун) бериладиган.

КОРМОВ/О́Й II, -а́я, -о́е 1 кема қуйруғидаги; қуйруқ...; ~**о́й флаг** кема қуйруғидаги байроқ; ~**ы́е вёсла** қуйруқ эшкаклари; ~**а́я часть самолёта** самолётнинг қуйруқ қисми; 2 *в знач. сущ.* ~**о́й** *м* қайиқнинг қуйруқ қисмида турувчи матрос, ишчи, рулчи.

КОРМОЗАВО́Д *м с.-х.* ем-хашак заводи.

КОРМОЗАГОТОВИ́ТЕЛЬНЫЙ, -ая, -ое ем-хашак тайёрлайдиган; ем-хашак тайёрлаш...

КОРМОЗАПА́РНИК *м с.-х.* озуқа (ем-хашак) ивитадиган (буғлайдиган) қозон.

КОРМОКУ́ХНЯ *ж, р.* **-хонь** *с.-х.* озуқа (ем-хашак) кухняси, цехи.

КОРМОРЕ́ЗКА *ж, р. мн.* **-зок** *с.-х.* жоди; машинажоди, жодимашина.

КОРМОЦЕ́Х *м то же, что* **кормоку́хня.**

КОРМУ́ШК/А *ж, р. мн.* **-шек** 1 охур, тегана; **положи́ть се́на в** ~**у** охурга пичан солмоқ; 2 *перен. разг. неодобр.* ёғли жой, текин томоқ (даромад) манбаи.

КОРМЧИЙ *м, р.* **-его** 1 *уст.* и *обл.* кема ҳайдовчи, дарға, рулчи; 2 *перен. высок.* йўлбошчи, раҳбар, раҳнамо.

КОРНА́ТЬ *несов.* (*сов.* **окорна́ть** и **обкорна́ть**) *кого-что прост.* чўлтоқ қилиб кесмоқ, калта-култа қилиб қўймоқ, чала (қилиб) олмоқ; ~ **во́лосы** сочини чала олмоқ, сочини калта-култа қилиб кесиб ташламоқ.

КОРНЕВИ́ЩЕ *с* 1 илдизпоя (ўсимликнинг ер остида ўсадиган пояси); 2 ўқилдиз, асосий илдиз; 3 ердан чиқиб турган (очилиб қолган) илдиз.

КОРНЕВИ́ЩЕВЫ/Й, -ая, -ое *бот.* илдизпояли, илдизпояси бўлган; ~**е расте́ния** илдизпояли ўсимликлар.

КОРНЕВИ́ЩНЫЙ, -ая, -ое *то же, что* **корневи́щевый.**

КОРНЕВ/О́Й, -а́я, -о́е 1 илдизга оид; илдиз...; ~**а́я систе́ма расте́ний** ўсимликларнинг илдиз системаси; 2 *грам.* туб; ~**ы́е слова́** туб сўзлар.

КОРНЕКЛУБНЕПЛО́ДЫ *мн.* илдизмевали (ёки тугунакмевали) ўсимликлар.

КОРНЕНО́ЖКИ *мч., р.* **-жек** (*ед.* **корнено́жка** *ж*) *зоол.* томироёқлилар (бир ҳужайрали баъзи содда жониворлар).

КОРНЕПЛО́ДЫ *мн.* (*ед.* **корнепло́д** *м*) илдизмевали ўсимликлар (сабзи, лавлаги, шолғом ва ш. к. ўсимликлар); **кормовы́е** ~ ем-хашакбоп (ем-хашак бўладиган) илдизмевали ўсимликлар.

КО́РНЕР *м* корнер (1 *эк.* нархини ошириш мақсадида бирор қимматбаҳо қоғоз ёки молнинг ҳаммасини биржадан йиғиб олиш; 2 *спорт. уст.* футбол ўйинида бурчакдан штраф тўпи тепиш; **назна́чить** ~ бурчакдан штраф тўпи тепишни белгиламоқ).

КОРНЕРЕ́ЗКА *ж, р. мн.* **-зок** илдизмеваларни қирқадиган (майдалайдиган) жоди, машина.

КОРНЕСЛО́В *м уст.* ўзак сўзлар луғати; этимологик луғат.

КОРНЕСЛО́ВИЕ *с уст. то же, что* **этимоло́гия.**

КОРНЕ́Т I *м* корнет (революциядан илгариги Россияда: отлиқ аскар офицерларининг энг кичик унвони).

КОРНЕ́Т II *м* корнет (пуфлама музика асбоби).

КОРНЕ́Т-А-ПИСТО́Н *м* корнет-а-пистон (клапанли корнет).

КОРНЕТИ́СТ *м* корнетчи, корнет чалувчи.

КОРНИШО́Н *м* корнишон (сиркалаш учун узилган майда сапча болдирғон).

КОРНОУ́ХИЙ, -ая, -ое *разг.* чиноқ, қулоғи кесилган; ~ **пёс чиноқ ит.**

КОРОБ *м, мн.* **-а́** 1 пўстлоқдан тўқилган қути, кажава, сават; **плетёный** ~ пўстлоқ сават; 2 автомашина кузови; арава ўгрочаси; 3 *в знач. нареч.* ~**ом** *разг.* қопдай ҳалпиллаб, дўппайиб (кийим ҳақида); ✦ **це́лый** ~ (новосте́й, весте́й и т. п.) жуда кўп янгилик; бир қоп гап; **с три** ~**а** (наговори́ть, наобеща́ть и т. п.) жуда ҳам кўп гапирмоқ, қоп-қоп гап айтмоқ (ваъдалар бермоқ).

КОРОБЕ́ЙНИК *м* кўтармачи, аттор (ўтмишда: **кўчама-кўча**, қишлоқма-қишлоқ юриб газлама **ва атторлик** моллари сотувчи киши).

КОРОБЕ́ЙНИЧАТЬ *несов. уст.* кўтармачилик қилмоқ, кўчама-кўча (қишлоқма-қишлоқ) юриб савдо қилмоқ.

КОРОБИТ/Ь, -блю, -бишь *несов.* 1 (*сов.* **покоро́бить**) *что* қийшайтирмоқ, қайиштирмоқ, тоб ташлатмоқ; **жар** ~ **до́ски** иссиқ тахталарни қайиштириб юборади (юборяпти); 2 *безл. кого прост.* тириштирмоқ, қақшатмоқ; тиришмоқ; увушмоқ; **меня́ всего́** ~ аъзойи баданим тириши б (увушиб) кетяпти; **его́** ~ **ревмати́зм** ревматизм уни тириштиряпти (қақшатяпти); 3 (*сов.* **покоро́бить**) *перен. безл. кого разг.* ғижинтирмоқ, ғашини келтирмоқ, жиғига тегмоқ; **всех** ~ **тако́е равноду́шие** бундай лоқайдлик ҳамманинг ғашини келтиради.

КОРОБИ́ТЬСЯ, -ится *несов.* 1 (*сов.* **покоро́биться** и **скоро́биться**) қайишмоқ, қийшаймоқ, тоб ташламоқ; 2 ғижимланмоқ, буришмоқ; дўппайиб чиқмоқ (қолмоқ); **по́лы пальто́ коро́бятся** пальтонинг этаклари дўппайиб қоляпти.

КОРО́БКА *ж, р. мн.* **-бок** 1 коробка, қути, қутича; ~ **с конфе́тами** конфет солинган (конфетли) қутича; **карто́нная** ~ картон қутича; **жестяна́я** ~ тунука қути(ча); 2 коробка (бинонинг корпуси, сиртқи деворлари); **кирпи́чная** ~ бинонинг ғишт коробкаси (корпуси); 3 *спец.* коробка, қобиқ, қутича; ~ **замка́** қулф қобиғи, қулф қутичаси; ✦ ~ **переда́ч** *тех.* узатмалар коробкаси.

КОРОБО́К *м, р.* **-бка́** 1 *уменьш. от* **ко́роб** 1 қутича; ~ **спи́чек** гугурт қути(ча); 2 *обл.* четан, ўгрича; 3 *обл.* четанли (ўгрочали) арава.

КОРО́БОЧКА *ж, р.* **-чек** 1 *уменьш. от* **коро́бка** 1 қутича; 2 кўсак, кўрак; ~ **хлопча́тника** кўсак, ғўза кўсаги.

КОРО́БОЧНЫЙ, -ая, -ое коробкага, қутичага оид; коробка...; қутича...; қутичабоп; ~ **карто́н** қутичабоп картон.

КОРО́БЧАТЫЙ, -ая, -ое *спец.* коробкасимон, коробка шаклли (шаклидаги); ~ **свод зда́ния** бинонинг коробкасимон (тўртбурчак) гумбази.

КОРО́ВА *ж* 1 сигир; **молочна́я** ~ сутли сигир, соғин сигир; 2 мода, урғочи; 3 *перен. прост. груб.* туядай молфаҳм хотин, гумбаз, туя; ✦ **морска́я** ~ *зоол.* денгиз сигири (тухуми қуриган сутэмизувчи денгиз ҳайвони); **до́йная** ~ *см.* **до́йный.**

КОРОВ/ИЙ, -ья, -ье сигирга оид; сигир...; ~**ье молоко́** сигир(нинг) сути; ~**ье ма́сло** сариёғ, маска ёғ.

КОРО́ВКА *ж, р. мн.* **-вок** *уменьш.-ласк. от* **коро́ва** 1 сигирча, сигир; ✦ **бо́жья** ~ *см.* **бо́жий.**

КОРОВНИК *м* 1 оғилхона, молхона, оғил; 2 *обл.* сигир боқувчи (сигирларга қаровчи) киши.

КОРО́ВНИЦА *ж уст.* молбоқар (сигирларга қаровчи) аёл.

КОРОЕ́Д *м зоол.* пўстлоқхўр қўнғиз.

КОРОЛЕ́ВА *ж* 1 қиролнинг (подшонинг) хотини; 2 қирол (подшо) хотин, қиролича, малика; 3 *разг.* гўзалларнинг гўзали, энг олдингиси, маликаси, пошшоси; ~ **красоты́** гўзалларнинг гўзали; 4 *перен. разг.* малика; **лёгкая атле́тика** — ~ **спо́рта** енгил атлетика — спорт маликаси; 5 *шахм. то же, что* **ферзь.**

КОРОЛЕ́ВИЧ *м* қиролнинг (подшонинг) ўғли, шаҳзода.

КОРОЛЕ́ВНА *ж, р. мч.* **-вен** қиролнинг (подшонинг) қизи.

КОРОЛЕ́ВСК/ИЙ, -ая, -ое 1 қиролга (подшога) оид; қарашли...; қирол...; подшо...; ~**ий двор** қирол (подшо) саройи; ~**ая власть** қирол (подшо) ҳокимияти; 2 *шахм.* шоҳ турган томондаги, шоҳ томондаги; ~**ий фланг шоҳ турган томон; ход** ~**ого коня** шоҳ томондаги отни юриш.

www.ziyouz.com kutubxonasi

КОРОЛЕ́ВСТВО *с* қироллик (1 қирол қўл остидаги мамлакат, монархия; 2 кимсанинг қирол бўлиб турган даври).

КОРОЛЁК *м, р.* **-лька́** *разг.* 1 кичкина мамлакат қироли; 2 чумчуқсимонларга мансуб қушча; 3 гўшти қизил ширин апельсин.

КОРО́Л/Ь *м, р.* **-ля́** 1 қирол, подшо; 2 *разг.* энг олдинги одам, кузир, дўкай; 3 *шахм.* шоҳ; 4 *карт.* король; **бубно́вый ~ь** ғиштин король; **ходи́ть с ~я́** юришни королдан бошламоқ, королни юрмоқ (ташламоқ); 5 *перен. чего или какой* танҳо хўжайинлик қилувчи йирик капиталист; наҳанг; **нефтяны́е ~и́** энг йирик нефть саноатчилари, нефть саноати хўжайинлари; **~ь би́ржи** биржа хўжайини; **некороно́ванные ~и́** энг йирик капиталистлар, миллионерлар, миллиардерлар; ✦ **кум ~ю́** *см.* **кум.**

КОРОМЫСЛ/О *с, р. мн.* **-се́л** 1 обкаш; **носи́ть вёдра на ~е** челакларни обкаш билан кўтармоқ; 2 *тех.* коромисло, шайин (таянч нуқтаси ўртасида бўлган ричаг, пишанг); **~о паровóй маши́ны** буғ машинасининг коромислоси; **~о весо́в** тарози шайини; 3 лайлак, ҳавоза (юқорига юк кўтарадиган энг оддий қурилма); 4 *зоол.* ниначи, сўзанак; ✦ **дым ~ом** *см.* **дым.**

КОРО́Н/А *ж* 1 тож; **золота́я ~а** олтин тож; **ца́рская ~а** шоҳлик (шоҳ) тожи; 2 *перен.* монарх давлати, подшо ҳокимияти, подшолик; салтанат, тахт, тож-тахт; **зе́мли ~ы** подшолик ерлари; **отказа́ться от ~ы** тахтдан (тож-тахтдан, подшоликдан) воз кечмоқ; **борьба́ за ~у** тахт (тож-тахт, ҳокимият) учун кураш; 3 *перен. уст.* подшолик, ғазна; 4 *перен. чего* гулчамбар, гулжиға, чамбар; **~ волóс** соч чамбари; чамбар(ак) соч; **уложи́ть ко́су ~ой** *нареч.* сочини чамбарак қилиб олмоқ (ўрамоқ); 5 *астр.* тож; **со́лнечная ~а** қуёш тожи; 6 *перен. чего* или *какая* спортнинг бирор туридаги чемпионлик унвони; **ша́хматная ~а** шахмат тожи.

КОРОНА́РНЫ/Й: ~е сосу́ды *анат.* юрак томирлари.

КОРОНАЦИО́ННЫ/Й, -ая, -ое тож кийиш (кийдириш) маросимига оид; коронация...; **~е торжества́** тож кийдириш (коронация) тантаналари.

КОРОНА́ЦИЯ *ж* коронация (тахтга минган монархга тож кийдириш маросими).

КОРО́НК/А *ж, р. мн.* **-нок** 1 *уменьш. от* **коро́на** 1 кичкина тож; 2 тишнинг милкдан чиқиб турган қисми; 3 тиш қопламаси (қоплама тиш); **золота́я ~а** қоплама тилла тиш; **поста́вить ~у** қоплама тиш қўйдирмоқ; 4 *тех.* коронка, қоплама (парма, бурғи ва ш. к. да); **алма́зная ~а** олмос коронка; **буро́вая ~а** бурғи коронкаси.

КОРО́ННЫ/Й, -ая, -ое монархия давлатига оид; қарашли; подшолик...; **~ые зе́мли** *уст.* подшолик ерлари; ✦ **~ая роль** шоҳ роль (бирор артистнинг энг яхши бажарадиган роли).

КОРОНО́ВАННЫ/Й, -ая, -ое 1 *прич. от* **короновáть**; 2 *в знач. прил.* тождор, соҳиби тож, соҳиби тахт, тож кийган, тахтга минган; **~ая осо́ба** тож кийган киши, подшо.

КОРОНОВА́ТЬ, -ну́ю, -ну́ешь *сов.* и *несов. кого* тож кийдирмоқ, коронация қилмоқ, тахтга ўтиргизмоқ.

КОРОНОВА́ТЬСЯ, -ну́юсь, -ну́ешься *сов.* и *несов.* тож киймоқ, тахтга минмоқ (ўтирмоқ).

КОРООБДИ́РКА *ж, р. мн.* **-рок** пўстлоқ арчгич (машина).

КОРООБДИ́РОЧНЫЙ, -ая, -ое *тех.* пўстлоқ арчадиган (шиладиган); пўстлоқ шилиш...; **~ станóк** пўстлоқ арчадиган (шиладиган) станок.

КОРО́СТА *ж* 1 қоракўтир, қотган яра; 2 қатирма кир, яғир; 3 *перен. неодобр.* суякка сингиган ёмон хислат, иллат; **~ лéни** суякка сингиган ялқовлик.

КОРОСТЕ́ЛЬ *м, р.* **-ля́** тартар (қуш).

КОРОТА́ТЬ *несов.* (*сов.* **скорота́ть**) *что разг.* бирор нарсани эрмак қилиб (бирор иш, машғулот билан) вақтни ўтказмоқ; **~ вре́мя за ша́хматами** шахматни эрмак қилиб (шахмат ўйнаб) вақт ўтказмоқ; **~ дни за го́родом** кунларни шаҳардан ташқарида ўтказмоқ.

КОРОТА́/ТЬСЯ, -а́ется *несов.* ўтмоқ, кечмоқ (вақт ҳақида); **вечера́ ~лись за бесе́дой** оқшомлар суҳбат билан ўтар эди; суҳбат билан оқшомларнинг ўтгани билинмасди.

КОРО́ТК/ИЙ, -ая, -ое; коро́ток и ко́роток, коротка́, коро́тко, ко́ротко и **коротко́; коро́че** 1 қисқа, калта; яқин; **~ая верёвка** калта арқон; **~ий путь** қисқа (яқин) йўл; **~ое расстоя́ние** қисқа масофа; **~ая стри́жка** сочни калта олдириш; 2 қисқа, калта, чоғ; **~ое пла́тье** калта кўйлак; **рукава́ ему́ ~и́** енглари унга калтароқ (чоғроқ); 3 *разг.* пакана, паст бўйли, паст, қисқа; **~ая тра́вка** пакана (паст) кўкатлар; 4 қисқа, озгина; **~ий день** қисқа кун, бир тутам кун; **на ~ий срок** қисқа вақтга; 5 қисқа, мухтасар; **~ий расска́з** қисқа ҳикоя (баён); **разгово́р был ~им** суҳбат қисқа бўлди; 6 тез ва қаттиқ, шиддатли, бир онли, қатъий, кескин; **~ая распра́ва** бир онда бир ёқли қилиш (адабини бериш); **~ий уда́р** шиддатли қисқа зарба; 7 яқин, дўстона; **быть в ~их отноше́ниях** *с кем-л.* яқин муносабатда бўлмоқ; ✦ **~ие во́лны** *физ.* қисқа тўлқинлар; **~ое замыка́ние** *тех. эл.* қисқа туташув; **~ая па́мять** хотираси пастлик (сустлик); унутувчанлик; фаромуш-хотирлик; **~ий ум** ақли калта, ақли ноқис, эси паст; **ру́ки ~и́** *у кого* қўлидан келмайди, қўли етмайди, қўли калта; **в ~их слова́х** қисқа қилиб, қисқача, лўнда; **на ~ой но́ге** *с кем* биров билан дўстона (яқин) муносабатда бўлиш; **коро́че воробьи́ного но́са** жуда қисқа, кўз очиб юмгунча ўтиб кетадиган.

КОРО́ТКО *нареч.* 1 қисқа қилиб, қисқа, калта; **~ остри́женные во́лосы** қисқа қилиб қирқилган (олинган, қўйилган) соч; 2 қисқа қилиб, қисқача, қисқа, лўнда; **рассказа́ть** *о чём-л.* ~ қисқача қилиб гапириб бермоқ; 3 яқин, дўстона; **быть ~ знако́мым** *с кем-л.* яқин ошна бўлмоқ; ✦ ~ (или **коро́че**) **говоря́** қисқача айтганда, қисқаси; хулласи калом, хуллас.

КОРОТКОВОЛНОВИ́К *м, р.* **-а́** қисқа тўлқинли радио ҳаваскори.

КОРОТКОВО́ЛНОВ/ЫЙ, -ая, -ое қисқа тўлқинли, қисқа тўлқинда ишлайдиган, қисқа тўлқинда олиб бориладиган; **~ый приёмник** қисқа тўлқинли приёмник; **~ая ста́нция** қисқа тўлқинда ишлайдиган станция.

КОРОТКОВОЛО́СЫЙ, -ая, -ое калта сочли, сочи калта, тўқол.

КОРОТКОМЕТРА́ЖКА *ж, р. мн.* **-жек** *разг. то же, что* **короткометра́жный фильм** *см.* **короткометра́жный.**

КОРОТКОМЕТРА́ЖНЫЙ, -ая, -ое қисқа метражли; **~ фильм** қисқа метражли фильм, қисқа фильм.

КОРОТКОНО́Г/ИЙ, -ая, -ое оёғи (оёқлари) калта, калта оёқли, калта оёқ; **~ий пёс** калта оёқли (калта оёқ) ит; **~ая табуре́тка** калта оёқли (оёқлари калта) табуретка.

КОРОТКОНО́ЖКА *м* и *ж, р. мн.* **-жек** *разг.* калта оёқ (оёқлари калта) одам ёки ҳайвон.

КОРОТКОПА́ЛЫ/Й, -ая, -ое калта бармоқли, бармоқлари калта, калтабармоқ; **~е ру́ки** бармоқлари калта қўллар.

КОРОТКОПО́ЛЫЙ, -ая, -ое калта этакли, этаги калта, қисқа; **~ пиджа́к** этаги калта (қисқа) пиджак.

КОРОТКОРУ́КИЙ, -ая, -ое қўли (қўллари) калта, калта қўлли.

КОРОТКОФО́КУСНЫЙ, -ая, -ое қисқа фокусли, фокус масофаси қисқа бўлган.

КОРОТКОХВО́СТЫЙ, -ая, -ое думи калта, калта думли, калтадум.

КОРОТКОШЕ́ИЙ, -ше́яя, -ше́ее бўйни калта, калтабўйин.

КОРОТКОШЕ́РСТНЫЙ, -ая, -ое калта жунли, жуни қисқа; **~ пёс** қисқа жунли ит.

КОРОТКОШЕ́РСТЫЙ, -ая, -ое *то же, что* **коротко-шёрстный.**

КОРОТЫ́Ш *м, р.* **-а́** *прост.* пакана (паст бўйли) одам.

КОРОТЫ́ШКА *р. мн.* **-шек** *прост.* 1 *ж* пакана (паст бўйли) хотин; 2 *м то же, что* **коротыш.**

КОРО́ЧЕ *см.* **коро́ткий.**

КОРО́ЧКА *ж, р. мн.* **-чек** *уменьш.-ласк. от* **ко́рка; лимо́нная ~** лимон пўсти (пўчоғи); **хле́бная ~** нонниng чети (жилди).

КОРПЕ́ТЬ, -плю́, -пи́шь *чесов. над чем* и *без доп. прост.* тиришиб-тирмашиб ётмоқ, астойдил ишламоқ, бош

www.ziyouz.com kutubxonasi

кўтармай иш қилмоқ; ~ **над рýкописью** қўл ёзма устида бош кўтармай ишламоқ.

КОРПИЯ *ж уст.* латтадан титиб олинган ип (илгариги вақтларда ярага боғлаш учун ишлатилган).

КОРПОРАТИВНОСТЬ *ж* корпорация (уюшма) манфаатлари билан чекланганлик.

КОРПОРАТИВНЫЙ, -ая, -ое корпорацияга оид, қарашли; ўз корпорацияси (уюшмаси) доираси, манфаатлари билан чекланган; корпоратив; корпорация...

КОРПОРАЦИЯ *ж* корпорация, уюшма, бирлашма; доира, аҳллар; **ремéсленная** ~ ҳунармандлар корпорацияси; ~ **учёных** олимлар корпорацияси; олимлар аҳли.

КОРПУЛЕ́НЦИЯ *ж уст. шутл.* ғуппа (хўппа) семизлик.

КОРПУС *м* 1 *мн.* ~**ы** гавда, тана, қад; **подáться вперёд всем** ~**ом** бутун гавдаси билан олға энгашмоқ; 2 *мн.* ~**á** корпус, тана; қути, қутича, қобиқ; ~ **тáнка** танкнинг корпуси; ~ **сýдна** кема корпуси; ~ **скри́пки** скрипка қутиси (қорни); ~ **часóв** соат корпуси (қобиғи); 3 *мн.* ~**á** бино, корпус; **глáвный** ~ бош бино, бош корпус; **семиэтáжный** ~ етти қаватли бино; 4 *мн.* ~**á** *воен.* корпус (ҳарбий бирикма); **гвардéйский** ~ гвардия корпуси, гвардиячи корпус; **тáнковый** ~ танкчи қўшинлар корпуси; 5 *уст.* корпус (билим юрти); **кадéтский** ~ кадетлар корпуси; 6 *полигр.* корпус (ўн пунктли босмахона ҳарфи); **набрáть кни́гу** ~**ом** китобни корпус билан термоқ; 7 корпус, ҳайъат; жамоа; **дипломати́ческий** ~ дипломатик корпус; **офице́рский** ~ офицерлар корпуси; **корреспонде́нтский** ~ корреспондентлар ҳайъати, жамоаси.

КОРПУСКУЛА *ж физ.* корпускула (модда заррачаси).

КОРПУСКУЛЯРН/ЫЙ, -ая, -ое *физ.* корпускулага оид; корпускуляр; ~**ая теóрия свéта** ёруғликнинг корпускуляр назарияси.

КОРПУСН/ÓЙ, -áя, -óе корпус 4 га оид; корпус...; ~**óй командúр** корпус командири; ~**ы́е связи́сты** корпус алоқачилари.

КОРПУСНЫЙ, -ая, -ое корпус 2,3 га оид; корпус.

КОРРЕКТИ́В *м* тузатиш, ўзгартиш, тузатма; **внести́** ~**ы в план** планга тузатиш(лар) киритмоқ.

КОРРЕКТИ́РОВАНИЕ *с по гл.* **корректи́ровать; ~ кýрса самолёта** самолёт курсини тўғрилаш; ~ **стрельбы́** отишмани корректировка қилиш, нишонга тўғрилаб туриш; ~ **рýкописи** қўл ёзма корректурасини ўқиш (ўқиб хатоларини тузатиш).

КОРРЕКТИ́РОВАТЬ *несов. что* 1 *(сов.* **скорректи́ровать**) тузатмоқ, тузатиш киритмоқ; тўғриламоқ; ~ **план** планни тузатмоқ, планга тузатишлар киритмоқ; 2 корректировка қилмоқ; тўғриламоқ, тўғрилаб турмоқ; ~ **стрельбу́** отишмани нишонга тўғрилаб турмоқ; ~ **курс корабля́** кема курсини тўғрилаш; 3 корректура ўқимоқ, корректурани ўқиб, хатоларини тузатмоқ; ~ **статью** мақола корректурасини ўқимоқ (ўқиб, босмахона хатоларини тузатмоқ).

КОРРЕКТИРОВКА *ж, р. мн.* **-вок** корректировка, тўғрилаш, тўғрилаб туриш; ~ **стрельбы́** отишмани корректировка қилиш (ўқ, бомба тушаётган жойни кузатиб, тўпчиларга кўрсатма бериб туриш, отишма хатосини тузатиш).

КОРРЕКТИРОВЩИК *м* корректировщик (отишма хатосини кўрсатиб, отишмани тўғрилаб турувчи артиллерист ёки самолёт).

КОРРЕ́КТНО *нареч.* одоб билан, одоб сақлаб, хушмуомала, сипо; **вести́ себя́** ~ одоб сақламоқ, хушмуомала бўлмоқ, ўзини сипо тутмоқ.

КОРРЕ́КТНОСТЬ *ж* боадаблик, хушмуомалалик, хушфеълик, сиполик; ~ **обращéния** муомаланинг боадаблиги; **отличáться** ~**ю** хушмуомалалиги (сиполиги) билан ажралиб турмоқ.

КОРРЕ́КТН/ЫЙ, -ая, -ое боадаб, одобли, хушмуомала, хушфеъл, сипо; ~**ый челóвек** одобли (хушмуомала, сипо) одам; ~ **ое поведéние** сипо юриш-туриш.

КОРРЕ́КТОР *м, мн.* **-á** и **-ы** корректор (корректура ўқувчи нашриёт ёки босмахона ходими); ~**-вы́читчик** ўзи ўқувчи корректор; ~**-подчи́тчик** ўқиб бериб турувчи корректор.

КОРРЕ́КТОРСК/ИЙ, -ая, -ое 1 корректорга оид; корректорлик...; корректор(лар)...; ~**ая дóлжность** корректорлик вазифаси; ~**ая рабóта** корректорлик иши; 2 *в знач. сущ.* ~**ая** *ж* корректорлар хонаси; корректорхона.

КОРРЕКТУ́Р/А *ж* корректура (1 босилган текстни ўқиб хатоларини тузатиш; **прáвить** ~**у** корректурани ўқиб тузатмоқ; 2 шу мақсадда босилган нусха).

КОРРЕКТУ́РНЫ/Й, -ая, -ое корректурага оид, корректура билан боғланган, корректура учун белгиланган; корректура...; ~**е знáки** корректура белгилари; ~**й óттиск** корректура ўқиш учун босилган нусха.

КОРРЕ́КЦИЯ *ж* 1 *мед.* коррекция, тузатиш, яхшилаш; ~ **зре́ния** (кўзойнак танлаш йўли билан) кўриш қобилиятини яхшилаш, кўзни тузатиш; 2 *тех.* коррекция (ўлчов асбобларининг ёки аппаратлар ишининг автоматик равишда тўғриланиши).

КОРРЕЛЯ́Т *м филос.* коррелят (мазмуни бошқа тушунча билан муносабатдагина очиладиган тушунча).

КОРРЕЛЯ́ТИВНЫ/Й, -ая, -ое коррелятив, ўзаро боғланган, ўзаро муносабатда бўлган, муносабатдор; ~**е поня́тия** ўзаро боғланган тушунчалар.

КОРРЕЛЯЦИО́ННЫ/Й, -ая, -ое корреляцион, ўзаро боғланган; ~**ая зави́симость** корреляцион боғланиш.

КОРРЕЛЯ́ЦИЯ *ж* корреляция, ўзаро боғлиқлик, боғланганлик, муносабатдорлик; ~ **явле́ний** воқеаларнинг ўзаро боғлиқлиги.

КОРРЕСПОНДЕ́НТ *м* 1 корреспондент, мухбир; **постоя́нный** ~ доимий мухбир; **специа́льный** ~ махсус мухбир; **со́бственный** ~ **«Пра́вды»** «Правда» газетасининг ўз мухбири; 2 мухбир (бир-бири билан хат ёзишиб турувчи, ёзишма олиб борувчи шахслар); **отвеча́ть всем** ~**ам** ҳамма мухбирларга (хат ёзганларнинг ҳаммасига) жавоб хат ёзмоқ; 3 корреспондент, гумашта.

КОРРЕСПОНДЕ́НТКА *ж, р. мн.* **-ток** *см.* **корреспоне́нт.**

КОРРЕСПОНДЕ́НТСК/ИЙ, -ая, -ое корреспондентга, мухбирга оид; корреспондент...; мухбир...; мухбирлик...; ~**ое удостовере́ние** мухбирлик гувоҳномаси; ~**ий пункт** мухбирлар пункти.

КОРРЕСПОНДЕ́НЦИ/Я *ж* 1 бир-бирига хат ёзиб туриш, ёзишма олиб бориш; **вести́** ~**ю** хат-хабар ёзиб (ёзишиб) турмоқ; 2 *собир.* хатлар; алоқа қоғозлари; **разбира́ть** ~**ю** хатларни қараб чиқмоқ; **заказна́я** ~**я** заказной хатлар; 3 хабар, мақола (матбуотда); ~**и с мест** жойлардан келган хабарлар, мақолалар.

КОРРИГИ́РОВАТЬ *несов. что то же, что* **корректи́ровать** 1, 2.

КОРРИ́ДА коррида, буқа жанги (Испанияда, Латин Америкаси мамлакатларида: тореодорнинг буқа билан жанги).

КОРРОЗИ́ЙНЫЙ, -ая, -ое *то же, что* **коррозио́нный.**

КОРРОЗИО́ННЫЙ, -ая, -ое коррозияга оид; коррозион; коррозия...; ~ **проце́сс** коррозион жараён, коррозия жараёни.

КОРРО́ЗИЯ *ж* 1 коррозия, чириш, занглаш; ~ **мета́ллов** металлар коррозияси (металларнинг занглаши, чириши, бузилиши); 2 *геол.* коррозия, нураш; ~ **го́рных поро́д** тоғ жинсларининг нураши.

КОРРУ́ПЦИЯ *ж* коррупция (буржуа мамлакатларида: амалдорни пора билан сотиб олиш; порага сотилиш, порахўрлик).

КОРСА́Ж *ж* корсаж (1 хотин-қизлар кўйлагининг белдан юқори қисми; 2 юбканинг кенг қаттиқ белбоғи).

КОРСА́ЖН/ЫЙ, -ая, -ое корсажга оид; корсаж...; ~**ая тесьма́** корсаж тасмаси.

КОРСА́Р *м* корсар (1 денгиз қароқчиси; 2 денгиз қароқчиларининг кемаси).

КОРСА́РСК/ИЙ, -ая, -ое корсарларга оид; корсар(лар)...; ~**ое су́дно** корсарлар (қароқчилар) кемаси.

КОРСЕ́Т *м* 1 корсет, белдамча; 2 *мед.* корсет, қуллоб; **ги́псовый** ~ гипс корсет; **лече́бный** ~ даволаш корсети; **зашнурова́ть** ~ корсет (қуллоб) шнурини боғлаб олмоқ.

КОРСЕ́ТН/ЫЙ, -ая, -ое корсетга оид; корсет...; ~**ая мастерска́я** корсет устахонаси.

КОРТ *м* корт, теннис майдони.

www.ziyouz.com kutubxonasi

КОРТЕ́Ж *м* кортеж, тантанали юриш, намойиш; **сва́дебный ~** тўй кортежи; тўй-томоша намойиши; **~ автомоби́лей** автомобиллар кортежи.

КОРТЕ́СЫ *мн.* кортес (1910 йилгача Испания ва Португалияда: турли табақа вакилларининг кенгаши, кейинчалик-парламент).

КО́РТИК *м* кортик (денгиз ва ҳаво флоти офицерларининг қисқа ханжари).

КОРТО́Ч/КИ *мн., р.* **-чек: (сиде́ть) на ~ках** чўкка тушиб (чўккалаб) ўтирмоқ; **сесть** (или **присе́сть**) **на ~ки** чўққаймоқ, чўккаламоқ, чўққайиб (чўкка тушиб) ўтирмоқ; **подня́ться** (или **встать**) **с ~ек** чўққайган жойидан турмоқ.

КОРУ́НД *м* корунд (қаттиқ минерал).

КОРУ́НДОВЫЙ, -ая, -ое корундга оид; корунддан тайёрланган; корунд...; **~е месторожде́ния** корунд кони; **~й порошо́к** корунд порошоги.

КОРЧА́ГА *ж обл.* қўшқулоқ, лапақ, хурмача, хумча; **~ со смета́ной** сметана солинган хурмача.

КОРЧЕВА́ЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое тўнка қазийдиган (ковлайдиган); кундаков қиладиган; илдиз (поя) суғурадиган; кундаков; **~ая маши́на** кундаков машина; илдиз ковлайдиган (суғурадиган) машина.

КОРЧЕВА́НИЕ *с по гл.* **корчева́ть.**

КОРЧЕВА́ТЕЛЬ *м* тўнка ковлайдиган машина; илдиз (поя) суғурадиган машина.

КОРЧЕВА́Т/ЫЙ, -ая, -ое *обл.* диккайган томир-илдизлар билан қопланган; сертўнка; **~ая тропи́нка** диккайган илдизлар билан қопланган сўқмоқ.

КОРЧЕВА́ТЬ, -чу́ю, -чу́ешь *несов. что* ковламоқ, қазимоқ, суғуриб (юлиб) олмоқ; кундаков қилмоқ; **~ пни** тўнка ковламоқ, кундаков қилмоқ.

КОРЧЁВКА *ж по гл.* **корчева́ть; ~ ле́са** ўрмонни (дарахтларни) томири билан суғуриб олиш (ер очиш учун), ковлаб олиш.

КОРЧЁМН/ЫЙ, -ая, -ое *уст.* 1 *прил. от* **корчма́**; 2 яширинча (ўғринча, ҳужжатсиз) сотиладиган; **~ая во́дка** яшириб (ўғринча) сотиладиган арақ.

КОРЧЁМСТВО *с уст.* яширинча (рухсатсиз) ичкилик тайёрлаш ва сотиш.

КО́РЧ/И *мн. (ед.* **ко́рча** *ж) разг.* тиришиш, томир тортишиш; **упа́сть в ~ах** тиришиб йиқилмоқ; **му́читься в ~ах** томир тортишиб қийналмоқ.

КОРЧИТ/Ь *несов. кого* 1 *безл.* тириштирмоқ, томир тортишмоқ; **его́ ~ от бо́ли** у оғриқдан тиришиб борар эди; 2 *безл. перен. разг.* ижирғантирмоқ, ғашини келтирмоқ; жиғига тегмоқ; энсасини қотирмоқ; **меня́ ~ от его́ то́на** унинг гапириши (оҳанги) ғашимни келтиради; 3 *разг.* ўзини бирор қиёфага солмоқ, бир қиёфада кўрсатмоқ; ...деб фаҳмламоқ; **он ~ из себя́ знатока́** у ўзини билимдон қилиб кўрсатади; у ўзини билимдон фаҳмлайди; **~ь дурака́** ўзини нодон (аҳмоқ) қилиб кўрсатмоқ, ўзини гўлликка солмоқ; ✦ **~ь ро́жи** (или **грима́сы**) афтини буриштирмоқ.

КОРЧИТЬСЯ *несов.* тиришиб-буришмоқ, тиришиб типирчиламоқ; **~ от бо́ли** оғриқдан тиришиб типирчиламоқ.

КОРЧМА́ *ж, р. мн.* **-че́м** (революцияга қадар Украина, Белоруссия ва Польшада: қовоқхона; карвонсарой).

КОРЧМА́РКА *ж, р. мн.* **-рок** *см.* **корчма́рь.**

КОРЧМА́РЬ *м, р.* **-ря́** қовоқхона эгаси; карвонсарой хўжайини.

КОРШУН *м* калхат, сор; ✦ **налете́ть** (или **бро́ситься**) **~ом** *на кого* жон-жаҳди билан ташланмоқ, калхатдек отилмоқ, хужум қилмоқ.

КОРШУ́Н/ИЙ, -ья, -ье калхатга оид; калхат...; **~ье гнездо́** калхат уяси.

КОРЫСТНО *нареч.* ғараз билан, тамагирлик билан, ўз фойдасини кўзлаб; **де́йствовать ~** ғараз билан иш кўрмоқ (тутмоқ).

КОРЫСТНОСТЬ *ж* ғаразлилик; тамагирлик; манфаатпарастлик; ўз манфаатини кўзлаш; **~ це́ли** мақсаднинг ғаразлилиги.

КОРЫСТНЫ/Й, -ая, -ое; -тен, -тна ғаразли; тамагир, манфаатпараст, ҳарис; ўз фойдасини кўзлайдиган; тамагирлик (тама, ғараз) билан қилинган; **~й челове́к** тамагир киши; **~й посту́пок** тамагирлик (тама) билан қилинган иш, ғаразли ҳаракат; **преспе́довать ~е це́ли** ўз манфаатини кўзлаб (тама, ғараз билан) иш тутмоқ.

КОРЫСТОЛЮБЕЦ *м, р.* **-бца** тамагир (манфаатпараст) одам, ҳарис, очкўз.

КОРЫСТОЛЮБИВ/ЫЙ, -ая, -ое тамагир, манфаатпараст, очкўз, ўз манфаатини кўзлайдиган; **~ая нату́ра** тамагир (манфаатпараст) феъл-атвор.

КОРЫСТОЛЮБИЕ *с* тамагирлик, манфаатпарастлик; очкўзлик, ҳарислик.

КОРЫСТ/Ь *ж* 1 манфаат, наф, фойда, ҳирс, тама, ғараз; **ра́ди ~и** ўз манфаатини кўзлаб; 2 *то же, что* **корыстолю́бие.**

КОРЫТ/О *с* 1 тоғора; **ци́нковое ~о** рух тоғора; **~о для сти́рки** киртоғора; 2 *тех.* корито, мойдон; 3 эски (ишдан чиққан) кема, қайиқ; ✦ **оста́ться (оказа́ться) у разби́того ~а** бор буди-шудини (бор-йўғини) йўқотиб, эски (асли) ҳолига қайтмоқ.

КОРЫТЦЕ́ *с р. мн.* **-тец** *уменьш. от* **коры́то** тоғорача, кичкина тоғора.

КОРЬ *ж* қизамиқ.

КОРЬЁ *с собир.* арчилган (шилинган) пўстлоқ.

КОРЬЕВО́Й, -а́я, -о́е арчилган (шилинган) пўстлоққа оид; пўстлоқдан қилинган; пўстлоқ...

КОРЯВ/ЫЙ, -ая, -ое 1 эгри-бугри, қинғир-қийшиқ; **~ый ствол** қинғир-қийшиқ ёғоч (дарахт пояси); **~ы́е па́льцы** эгри-бугри бармоқлар; 2 *прост.* ғадир-будур, ғудур, чўтир, бужур; **~ое лицо́** чўтир юз; 3 *в знач. сущ.* **~ый** *м,* **~ая** *ж прост.* ажива (чўтир, бужур) одам; 4 *перен. разг.* хунук, ажи-бужи, ғализ; **~ый по́черк** хунук (ажи-бужи) хат; **~ый стиль** ғализ услуб; **~ая речь** ғализ нутқ.

КОРЯГ/А *ж* 1 сувга ботган (чўккан, ғарқ бўлган) дарахт, тўнка; **весло́ зацепи́лось за ~у** эшкак ботган тўнкага илиниб (тегиб) қолди; 2 сербутоқ (серкўз) тўнка.

КОРЯЖИСТЫ/Й, -ая, -ое 1 сербутоқ, серкўз; эгри-бугри, қинғир-қийшиқ; **~й пень** сербутоқ (серкўз) тўнка; 2 тагида чўккан дарахт (тўнка) кўп; **~е места́ ре́чки** дарё (ча)нинг тагида чўккан дарахт кўп жойи.

КОРЯК *м* коряк; *см.* **коря́ки.**

КОРЯКИ *мн. (ед.* **коря́к** *м,* **коря́чка** *ж*) кориклар (Коряк миллий округи аҳолисини ташкил этган халқ).

КОРЯКСКИЙ, -ая, -ое корякларга оид; коряк(лар)...; **~ язы́к** коряк тили.

КОРЯЧИТЬСЯ *несов. прост.* 1 тарвақайлаб (ялпайиб, ястаниб) ўтирмоқ; 2 *перен.* ўжарлик қилмоқ.

КОРЯЧКА *ж, р.* **-чек** коряк аёл, корячка; *см.* **коря́ки.**

КОС/А I *ж, вин.* **ко́су,** *мн.* **ко́сы** кокил, соч ўрими; **заплести́ ~у** сочни (кокил қилиб) ўрмоқ; **расплести́ ~у** кокилни (соч ўримини) ёзмоқ.

КОС/А II *ж, вин.* **ко́су** и **косу́,** *мн.* **ко́сы** белўроқ, чалғиўроқ, чалғи; **точи́ть (отбива́ть) ~у** чалғини чархламоқ (пешламоқ); **коси́ть ~о́й** белўроқ билан ўрмоқ; ✦ **нашла́ ~а́ на ка́мень** *погов.* икки ўжар (қайсар) дуч келди.

КОСА́ III *ж, вин.* **ко́су** и **косу́,** *мн.* **ко́сы** 1 *геогр.* тил; **песча́ная ~** қумлоқ тил; 2 бир энлам, бир тилим; **~ кле́вера** бир энлам беда; **~ ле́са** бир энлам ўрмон.

КОСА́РЬ I *м, р* **-ря́** ўроқчи.

КОСА́РЬ II *м, р.* **-ря́** ошпичоқ, чопқи.

КОСА́Ч *м, р.* **-а́** қурнинг нари, хўрози.

КОСАЧИ́НЫЙ, -ая, -ое *обл. то же, что* **тетерева́ный.**

КО́СВЕННО *нареч.* билвосита, бавосита, эгри йўл билан; имо, киноя билан, четдан; **быть ~ заме́шанным** *во что-л.* бирор ишга билвосита аралашган бўлмоқ; 2 қисман, бир қадар, бир даража, бир чеккаси, бир томондан; **э́тот вопро́с ~ каса́ется и вас** бу масала бир томондан сизга ҳам тааллуқли.

КОСВЕНН/ЫЙ, -ая, -ое 1 *уст.* қия, қийғоч; **~ые лучи́** қия нурлар; **~ый взгляд** қия қараш, кўз қири билан қараш; 2 бавосита, билвосита; шамали; **~ый намёк** узоқдан келтирилган имо (ишора, шама); **~ое обвине́ние** билвосита айблаш; 3 эгри, қўшимча; **~ые доказа́тельства** эгри (қўшимча) далиллар; 4 четдан (орқаворотдан) бўлган; **~ым путём** четдан, орқаворотдан; ✦ **~ый вопро́с** *грам.* эргаш гап орқали ифодаланган сўроқ; **~ое дополне́ние** *грам.* воситали тўлдирувчи; **~ые падежи́** *грам.* бош кели-

www.ziyouz.com kutubxonasi

шикдан бошқа келишиклар; **~ая речь** *грам.* кўчирма гап; **~ые нало́ги** *фин.* эгри солиқлар.

КОСЕКА́НС *м мат.* косеканс (тўғри бурчакли учбурчакда гипотенузанинг ўткир бурчак қаршисидаги катетга нисбати).

КОСЕ́Ц *м, р.* **-сца́** *то же, что* **коса́рь** I.

КОСИ́ЛКА *ж, р. мн.* **-лок** *с.-х.* ўроқ машина; **ко́нная ~** от қўшиладиган ўроқ машина; **тра́кторная ~** трактор тиркаладиган ўроқ машина.

КОСИНУ́С *м мат.* косинус (тўғри бурчакли учбурчакда ўткир бурчакка ёпишган катетнинг гипотенузага нисбати).

КОСИ́ТЬ I, кошу́, ко́сишь *несов.* (*сов.* **скоси́ть**) 1 *что* ўрмоқ; **~ пшени́цу** буғдой ўрмоқ; 2 *перен. кого* қирмоқ, қириб ташламоқ; **~ из автома́та** автоматдан қирмоқ.

КОСИ́Т/Ь II, кошу́, коси́шь *несов.* 1 (*сов.* **скоси́ть** и **покоси́ть**) *что* и *чем* қийшайтирмоқ; **~ь рот** оғзини қийшайтирмоқ; 2 *что* и *чем* кўз қири билан қарамоқ; **~ть гла́зом** кўз қири (учи) билан қарамоқ; 3 ғилай бўлмоқ; **ребёнок ~ на оди́н глаз** боланинг бир кўзи ғилай.

КОСИ́ТЬСЯ I, ко́сится *несов. страд. от* **коси́ть** I, 1.

КОСИ́/ТЬСЯ II, кошу́сь, коси́шься *несов.* 1 **коси́тся** қийшаймоқ; қийшайиб қолмоқ; қийшиқ турмоқ; **стена́ ~тся** девор қийшайиб турибди (қолибди); 2 *на кого-что* кўз қири билан қарамоқ, қия қарамоқ; 3 *перен. на кого-что* кўз олайтирмоқ; қинғир (ёмон мақсад, ғараз билан) қарамоқ; **он на меня́ давно́ ~тся** у менга анчадан бери кўз олайтириб юрибди.

КОСИ́ЦА *ж* 1 *уменьш. от* **коса́** I калта сийрак соч (кокил); кокилча, майда кокил; 2 бир тутам соч, бир тарам соч; толим; **из-под ша́пки вы́бились ~ы** шапка остидан бир тутам сочи чиқиб қолибди (қолган эди).

КОСИ́ЧК/А *ж, р. мн.* **-чек** *то же, что* **коси́ца** 1; **заплести́ во́лосы в ~и** сочни майда қилиб ўрмоқ.

КОСМА́ТИТЬ, -а́чу, -а́тишь *несов.* (*сов.* **раскосма́тить**) *что разг.* ҳурпайтирмоқ; пахмайтирмоқ; тўзғитмоқ, саватдек қилиб юбормоқ; **~ во́лосы** сочни пахмайтирмоқ (ҳурпайтирмоқ).

КОСМА́ТИТЬСЯ, -а́чусь, -а́тишься *несов.* (*сов.* **раскосма́титься**) *разг.* ҳурпаймоқ, пахмоқ бўлмоқ, тўзғимоқ, саватдек бўлиб кетмоқ.

КОСМАТ/ЫЙ, -ая, -ое 1 бароқ, юнги узун, юнглари осилиб тушган; **~ый медве́дь** бароқ айиқ; **~ая ша́пка** бароқ (юнги узун) шапка; 2 тўзиган, ҳурпайган, пахмайган, саватдек; **~ая голова́** сочи ҳурпайган (саватдек) бош; **~ые во́лосы** пахмайган (тўзиган) соч; 3 *перен.* парча-парча; **~ые облака́** парча-парча булутлар; **~ые те́ни** парча-парча соялар.

КОСМЕ́ТИК/А *ж* 1 косметика, пардоз, пардоз-андоз; **врачебная ~а** даволаш косметикаси; **кабине́т ~и** пардоз (косметика) кабинети; 2 *собир.* упа-элик, пардоз-андоз буюмлари; **по́льзоваться ~ой** упа-элик қўймоқ; **предме́ты ~и** пардоз-андоз буюмлари (моллари), упа-элик.

КОСМЕТИ́ЧЕСК/ИЙ, -ая, -ое косметикага оид; косметик; косметика...; пардоз-андоз...; **~ий кабине́т** косметика кабинети; пардоз-андоз кабинети; **~ая фа́брика** косметика (пардоз буюмлари) фабрикаси; ✦ **~ий ремо́нт** косметик ремонт (бинони қайта оқлаш, бўяш, пардозлаш).

КОСМЕТО́ЛОГ *м* косметолог; **врач-~** косметолог-врач.

КОСМЕТОЛО́ГИЯ *ж* косметология (даволаш косметикаси, юз-баданни чиройли қилиш, яхши сақлаш ҳақидаги фан).

КОСМИ́ЧЕСК/ИЙ, -ая, -ое 1 космосга оид; космосдаги; космик; космос...; **~ие иссле́дования** космосни тадқиқ қилиш; космик (космосдаги тадқиқотлар); **~ий кора́бль** космик кема; **~ая пыль** космик чанг (олам фазосидаги самовий зарралар); **~ие лучи́** космик нурлар (ерга космосдан, олам фазосидан келган нурлар); 2 *перен.* жуда катта, улкан; космик; **~ие нагру́зки** космик (жуда катта) нагрузкалар.

КОСМОВИ́ДЕНИЕ *с* космовидение (космосдан, яъни космик кема ёки сунъий йўлдош орқали бериладиган телекўрсатувлар).

КОСМОГОНИ́ЧЕСКИЙ, -ая, -ое космогонияга оид, космогоник; космогония...

КОСМОГО́НИЯ *ж* космогония (астрономиянинг осмон жисмлари, уларнинг пайдо бўлиши ва ўзгаришлари ҳақидаги бўлими).

КОСМОГРА́ФИЯ *ж уст.* космография (1 коинотни тавсифлаш-тасвирлаш; коинот тавсифи-тасвири; 2 астрономия ва табиий географиядан умумий маълумот берадиган ўқув фани).

КОСМОДРО́М *м* космодром (космик аппаратлар учириладиган майдон).

КОСМОДРО́МНЫ/Й, -ая, -ое космодромга оид; космодром...; **~е сооруже́ния** космодром иншоотлари.

КОСМОЛОГИ́ЧЕСКИЙ, -ая, -ое космологияга оид; космологик, космология...

КОСМОЛО́ГИЯ *ж* космология (коинот ҳақидаги фан).

КОСМОНА́ВТ *м* космонавт; космосда (космосга) учувчи; **лётчик-~** космонавт-учувчи.

КОСМОНА́ВТИКА *ж* космонавтика (космосга учиш назарияси ва практикаси).

КОСМОНА́ВТКА *ж см.* **космона́вт.**

КОСМООТКРЫВА́ТЕЛЬ *м высок.* космосга йўл очувчи (очган) киши.

КОСМОПЛА́ВАНИЕ *с* космосда учиш.

КОСМОПЛА́ВАТЕЛЬ *м* космонавт.

КОСМОПОЛИ́Т *м* 1 космополит, космополитизм тарафдори; 2 *мн.* **~ы** космополитлар (ер шарининг ҳамма жойида учрайдиган ўсимлик ва ҳайвонлар).

КОСМОПОЛИТИ́ЗМ *м* космополитизм («Киши дунё гражданидир» деган шиор остида ватанпарварликни, халқларнинг ўз миллий суверенитети ва мустақиллигини, миллий маданиятни инкор этувчи реакцион буржуа назарияси ва идеологияси).

КОСМОПОЛИТИ́ЧЕСКИ/Й, -ая, -ое космополитизмга оид; космополитизм руҳидаги; космополитик; **~е иде́и** космополитик ғоялар.

КОСМОПОЛИ́ТКА *ж, р.* **-ток** *см.* **космополи́т.**

КОСМОПРОХО́ДЕЦ *м, р.* **-дца** космосга йўл очган киши.

КО́СМОС *м* космос, олам, коинот; **полёт в ~** космосга учиш, космосга парвоз; **покоре́ние ~а** космосни (коинотни) забт этиш.

КОСМОЦЕ́НТР *м* космоцентр (космик парвозларни бошқарувчи илмий марказ).

КО́СМЫ *мн.* (*ед.* **ко́сма** *ж*) *прост.* чигал соч тутамлари; чигал соч; **нечёсаные ~** таралмаган чигал соч.

КОСНЕ́/ТЬ *несов.* 1 *в чём* и *без. доп.* бирор нарса ботқоғига ботмоқ, қотмоқ, қотиб қолмоқ, ботмоқ; **~ть в неве́жестве** жоҳиллик ботқоғига ботмоқ; жаҳолатда қолиб кетмоқ; 2 қотмоқ, калимага келмай қолмоқ, тутилмоқ (тил ҳақида); **говори́ть ~ющим языко́м** тили калимага келмай дудуқланиб, тутилиб гапирмоқ.

КО́СНОСТЬ *ж* қотиб қолганлик, тўмтоқлик, қолоқлик, мутаассиблик, жаҳолат.

КОСНОЯ́ЗЫЧИЕ *с* 1 тутилиб гапириш, дудуқланиш, соқовланиш; тили чучуклик; 2 *перен.* гапни эплаб гапира олмаслик, пойма-пой гапириш; гапи оғзидан тушиб кетиш.

КОСНОЯ́ЗЫЧН/ЫЙ, -ая, -ое; -чен, -чна 1 тутилиб, соқовланиб гапирадиган, дудуқ, тили чучук; **~ый ма́льчик** дудуқ бола; 2 тушуниб бўлмайдиган, пойма-пой; **~ая речь** пойма-пой нутқ.

КОСНУ́ТЬСЯ *сов. см.* **каса́ться.**

КО́СНЫ/Й, -ая, -ое; -сен, -сна қотиб қолган; қолоқ, тўмтоқ, жоҳил, мутаассиб, нодон; орқада қолган; **~е взгля́ды** қолоқ қарашлар; **~й ум** тўмтоқ ақл; **~й челове́к** жоҳил киши, нодон.

КОСО *нареч.* 1 қиялаб, қиялатиб, қиямасига, қийшиқ, қинғир; **карти́на виси́т ~** сурат қийшиқ осилиб (турибди); 2 *перен.* ёмон кўз билан, душманлик ҳисси билан, кўз олайтириб, олайиб, қинғир; **~ смотре́ть** *на кого-л.* бировга ёмон (олайиб) қарамоқ, бировга кўз олайтирмоқ.

КОСОБО́КИЙ, -ая, -ое қийшайган, бир ёққа оққан, ёнбошлаган; ёни қийшиқ, бели (биқини) ичига кирган; **~ стол** қийшайиб қолган стол.

www.ziyouz.com kutubxonasi

КОСОБО́ЧИТЬ *несов. прост.* қийшаймоқ, қийшайиб (бир томонга оғиб) қолмоқ, қийшайиб юрмоқ.

КОСОБО́ЧИТЬСЯ *несов. прост.* қийшаймоқ, қийшайиб қолмоқ, бир томонга оғмоқ.

КОСО́ВИЦА *ж с.-х.* 1 ўриш; ўрим; 2 ўриш пайти (бугдойўроқ, бедаўроқ ва ш. к.).

КОСО́ВИЩЕ *с* белўроқ (чалғи) дастаси.

КОСОВОРО́ТКА *ж, р. мн.* **-ток** ён ёқа кўйлак (ён томонда тугмаланадиган тик ёқали эркаклар кўйлаги).

КОСОГЛА́ЗИЕ *с* ғилайлик; **врождённое ~** туғма ғилайлик.

КОСОГЛА́ЗОСТЬ *ж* ғилайлик.

КОСОГЛА́ЗЫЙ, -ая, -ое 1 ғилай; 2 *прост.* кўзи қисиқ, қисиққўз.

КОСОГО́Р *м* қия, қиялик, қиямалик, қияма тоғ (тепа); қия тоғ ёки тепалик ён бағри; **подня́ться на ~** қияликка кўтарилмоқ.

КОС/О́Й, -а́я, -о́е 1 қия, қиялама, бир томонга нишаб (ёки қийшайган, ёнбошлаган); ётиқ, қийшиқ; **~о́й дождь** қиялама ёмғир; **~о́й по́черк** қийшиқ (ётиқ) хат; **~о́й плете́нь** қийшайган қўра (четан девор); 2 қийшиқ, қинғир, эгри, эгри-бугри; **~ые две́ри** қийшиқ эшик; 3 ғилай; қийшиқ; **~о́й ма́льчик** ғилай бола; **~о́й на оди́н глаз** бир кўзи ғилай; 4 *перен.* ғаразли, ёмон ниятли, шубҳали; душманларча; қинғир; **~о́й взгляд** ғаразли қараш; кўз олайтириш; 5 *в знач. сущ.* **~о́й** *м прост. обл.* қуён; **охо́титься на ~о́го** қуён овламоқ; ✦ **~о́й во́рот** ён ёқа (ён томонда тугмаланадиган тик ёқа); **~о́й па́рус** учбурчак елкан; **~о́й у́гол** қийшиқ бурчак; **~а́я са́жень в плеча́х** или **в ~у́ю са́жень ро́стом** *см.* **са́жень.**

КОСО́К *м, р.* **-ска́** пойабзал ичига (товон остига) қўйиладиган пошна.

КОСОЛА́ПИТЬ, -плю, -пишь *несов.* маймоқланиб юрмоқ, оёғини қийшиқ босмоқ.

КОСОЛА́ПОСТЬ *ж* 1 маймоқлик; 2 *перен. разг.* қоқовушмаган, кўпол.

КОСОЛА́ПЫЙ, -ая, -ое 1 маймоқ, маймоқоёқ; **~ ма́льчик** маймоқ (маймоқоёқ) бола; **~ медве́дь** маймоқ айиқ; 2 *в знач. сущ.* **~м** маймоқ одам, маймоқ; 3 *перен. прост.* қовушмаган, кўпол.

КОСОПРИЦЕ́ЛЬНЫЙ: ~ ого́нь *воен.* қиялаб отиш, ён томондан отиш; ён томондан отилган ўқ.

КОСОРО́ТИТЬСЯ, -о́чусь, -о́тишься *несов. прост.* оғзини қийшайтирмоқ, лабларини бурмоқ.

КОСОРО́ТЫЙ, -ая, -ое *прост.* қийшиқоғиз, оғзи қийшиқ.

КОСОРУ́КИЙ, -ая, -ое 1 қўли қийшиқ, қийшиққўл; 2 *перен. прост.* эпашанг, шуди (эпи) йўқ, ношуд, лаванд.

КОСОСЛО́Й *м спец.* буранг, буралма (ёғоч толаларининг нотўғри, қия жойлашганлиги, ёғоч нуқсони).

КОСОСЛО́ЙН/ЫЙ, -ая, -ое *спец.* буранг, буралма, толалари қийшиқ; **~ое де́рево** буранг (буралма ёғоч, толалари қийшиқ) ёғоч.

КОСОУГО́ЛЬНЫЙ, -ая, -ое қийшиқ бурчакли; **~ треуго́льник** қийшиқ бурчакли учбурчак.

КОСТЁЛ *м* костёл (поляк католикларининг черкови).

КОСТЁЛЬНЫЙ, -ая, -ое костёлга оид; қарашли; костёл...; **~ орга́н** костёл органи.

КОСТЕНЕ́ТЬ *несов.* 1 (*сов.* **окостене́ть**) совимоқ, қотмоқ (мурда ҳақида); 2 (*сов.* **окостене́ть** и **закостене́ть**) тўнгмоқ, муз-кесак бўлиб қотиб қолмоқ; **~ от хо́лода** совуқдан қотиб қолмоқ; 3 (*сов.* **окостене́ть**) *перен.* эс-ҳушини йўқотиб қотиб қолмоқ, тахта бўлиб қолмоқ; тарракдай қотмоқ; **~ от у́жаса** ваҳимадан тарракдек қотиб қолмоқ.

КОСТЁР I *м, р.* **-тра́** 1 гулхан; **развести́ ~** гулхан ёқмоқ; 2 саржин, тахланган ўтин; ✦ **пионе́рский ~** пионерлар гулхани (пионерларнинг гулхан атрофидаги тантанали йиғини).

КОСТЁР II *м, р.* **-тра́** ялтирбош; тароқбош (ёввойи ўт); **безо́стый ~** қилтиқсиз ялтирбош, сувбуғдойиқ.

КОСТЕРИ́ТЬ *несов. кого-что прост.* қаттиқ уришмоқ, сўкмоқ, койимоқ.

КОСТЕРО́К *м, р.* **-рка́** *уменьш. от* **костёр** кичкина гулхан, гулханча.

КОСТЁРЧИК *м то же, что* **костро́к.**

КОСТИСТ/ЫЙ, -ая, -ое 1 суякдор, суяги йўғон (бўлиқ); 2 *то же, что* **костля́вый** 1; **~ая рука́** қоқ суяк (ориқ) қўл; 3 қилтаноғи кўп; серқилтаноқ; **~ый чехо́нь** серқилтаноқ қилич балиқ; ✦ **~ые ры́бы** *зоол.* серқилтаноқ балиқлар.

КОСТИ́ТЬ, кощу́, кости́шь *несов. кого-что прост. то же, что* **костери́ть.**

КОСТЛЯ́ВОСТЬ *ж* ғоят озғинлик.

КОСТЛЯ́В/ЫЙ, -ая, -ое 1 ғоят озғин (ориқ), қуруқ суяги қолган, қоқ суяк; қуруқ суяк, чўп-устухон, қотма; **~ый телёнок** жуда ориқ бузоқ; 2 қилтаноғи кўп, серқилтаноқ; **~ая щу́ка** серсуяк чўртан балиқ.

КОСТН/ЫЙ, -ая, -ое 1 суякка оид; суяк...; **~ая боле́знь** суяк касаллиги; **~ая ткань** суяк тўқимаси; **~ый мозг** илик; 2 суякдан қилинган, суякдан олинган; **~ый жир** илик (суяк) ёғи; **~ый клей** суяк елими; **~ая мука́** суяк уни.

КОСТОЕ́ДА *ж* суяк чириш касаллиги, оқма.

КОСТОПРА́В *м* шикастабанд, синиқчи (чиққан-синган суякни солувчи табиб).

КОСТОРЕ́З *м* суякдан нақшдор буюмлар ясовчи уста, суяктарош.

КОСТОРЕ́ЗН/ЫЙ, -ая, -ое суяктарошликка оид; суяктарошлик...; **~ая мастерска́я** суяктарошлик устахонаси.

КОСТО́ЧК/А *ж, р. мн.* **-чек** 1 *уменьш. от* **кость** 1, 3—6; **ры́бья ~а** балиқ қилтаноғи; 2 данак; **вишнёвая ~а** олча данаги; 3 чўт тугмаси, чўт донаси; ✦ **перемыва́ть ~и** *кому* бировни тоза ғийбат (гап) қилмоқ; **разбира́ть по ~ам** *кого-что* ипидан-игнасигача (миридан-сиригача) кўздан кечирмоқ, текширмоқ.

КОСТО́ЧКОВЫ/Й, -ая, -ое *бот.* 1 данакли, данаги бор; **~е плоды́** данакли мевалар; 2 *в знач. сущ.* **~е** *мн.* мевали дарахтлар (олча, олхўри, абрикос, шафтоли).

КОСТРА́ *ж* ўзак (зиғир, наша, каноп ва ш. к. ўсимликлар ўзаги).

КОСТРЕ́Ц *м, р.* **-а́** 1 *анат.* думғаза; 2 сон гўшти.

КОСТРИ́ЩЕ *с* гулхан ўрни, гулхан ёқилган жой.

КОСТЫЛ/Ь *м, р.* **-ля́** 1 *уст.* таёқ, ҳасса; **опира́ться о ~ь** ҳассага таянмоқ; 2 қўлтиқтаёқ; **ходи́ть на ~я́х** қўлтиқтаёқ билан юрмоқ; 3 *спец.* костиль (катта қайрилма мих); **заби́ть ~ь в шпа́лу** шпалга костиль қоқмоқ.

КОСТЫЛЬНЫЙ, -ая, -ое *спец.* костилга оид; костил...; **~ молото́к** *ж.-д.* костиль қоқадиган махсус болға.

КОСТЫЛЯ́ТЬ *несов. прост.* 1 *кого-что* урмоқ, дўппосламоқ; 2 қўлтиқтаёқ билан юрмоқ; 3 оқсоқланмоқ, оқсоқланиб (ташлаб) юрмоқ, ташламоқ.

КОСТ/Ь *ж, предл.* **о ко́сти, в кости́,** *р. мн.* **-е́й** 1 суяк, устухон; **берцо́вая ~ь** болдир суяги; **~и та́за** тос суяги; **ры́бья ~ь** балиқ суяги; қилтаноқ; 2 *собир.* фил ва баъзи бошқа ҳайвонларнинг дандон суяги; дандон, суяк; **ша́хматы из слоно́вой ~и** фил суягидан қилинган шахмат; **резьба́ по ~и** суякка ўйилган нақш; суякка ўйиб нақш солиш; 3 *мн.* **~и** мурда, жасад, хок; 4 соққа, тош (олти қиррали ўйин соққаси; домино тоши); **игра́ в ~и** соққа ташлаб ўйнамоқ; **~и домино́** домино тошлари; 5 тугмача, дона (чўтда); 6 *уст. какая* суяк, насл-насаб; **бе́лая ~ь** оқсуяк, зодагон; **чёрная ~ь** қорасуяк (оддий халқ); ✦ **до ~е́й** (промо́кнуть, пронизывать и т. п.) бутунлай; суяк-суягигача, ич-ичигача (ивимоқ, совқотмоқ); **ко́жа да ~и** эти бориб суягига ёпишган, жуда ориқ, қоқ суяк, қуруқ суяк; **широ́к в ~и́** суяги йўғон, чорпаҳил, елкадор; барваста; **стоя́ть ~ью в го́рле** (или **поперёк го́рла**) *прост.* халақит бермоқ; жиғига тегмоқ; ғашини келтирмоқ; **лечь ~ьми́** ҳалок бўлмоқ; қурбон бўлмоқ; **~е́й не собра́ть** *прост.* пачоқ-пачоқ бўлмоқ, абжағи чиқмоқ; **постро́ить** (или **воздви́гнуть**) **на ~я́х** катта қурбон эвазига эришмоқ; кўп қурбон бериб қўлга киритмоқ.

КОСТЮ́М *м* 1 кийим, либос; кийим-кечак, кийим-бош, уст-бош; **национа́льный ~** миллий кийим; **рабо́чий ~** иш кийими; коржома; **выходно́й ~** кўчалик либос; **маскара́дный ~** маскарад кийими; 2 костюм; **да́мский ~** аёллар костюми; **мужско́й ~** эрлар костюми; ✦ **в ~е Ада́ма** (о мужчине), **в ~е Е́вы** (о женщине) қип-яланғоч, онадан туғилгандай.

www.ziyouz.com kutubxonasi

КОСТЮМЁР *м* костюмер (театрда: кийим-кечак мутасаддиси).

КОСТЮМЁРН/ЫЙ, -ая, -ое 1 *театр.* кийим-кечакка оид; кийим-кечак (костюмлар) тикадиган; **~ая мастерска́я** кийим-кечак устахонаси, 2 *в знач. сущ.* **~ая** *ж* кийимхона (театрда).

КОСТЮМЁРША *ж* костюмер аёл.

КОСТЮМИРОВАНН/ЫЙ, -ая, -ое 1 *прич. от* **костюмирова́ть**; 2 *в знач. прил.* маскарад ёки театр либоси кийган; маскарад ёки театр либосидаги; **Снача́ла каза́лось, что э́то... ~ый ма́льчик** (Лесков) Бошда у... маскарад (театр) кийими кийган болага ўхшаб кўринди; 3 *в знач. сущ.* **~ый** *м*, **~ая** *ж* маскарад костюми кийган (эркак ёки аёл); ✦ **~ый бал** (или **ве́чер**) маскарад либосида ўтказиладиган бал (кеча).

КОСТЮМИРОВАТЬ, -ру́ю, -ру́ешь *сов.* и *несов. кого* маскарад ёки театр либоси кийдирмоқ (кийинтирмоқ); **~ ма́льчика во́лком** болани бўрига ўхшатиб (бўри қилиб) кийинтирмоқ.

КОСТЮМИРОВАТЬСЯ, -ру́юсь, -ру́ешься 1 *сов.* и *несов.* маскарад ёки театр либосини киймоқ; **~ кло́уном** масхарабоз либосини киймоқ; 2 *несов. страд. от* **костюмирова́ть.**

КОСТЮМН/ЫЙ, -ая, -ое 1 костюмга оид; костюм...; **~й жаке́т** костюм жакети; 2 костюмбоп; костюмлик; **~е тка́ни** костюмбоп газламалар.

КОСТЮМЧИК *м уменьш. от* **костю́м** костюмча; болалар костюми.

КОСТЯК *м, р.* **-а́** 1 гавда суяклари, скелет; **~ медве́дя** айиқ скелети; 2 *перен. чего* или *какой* негиз, ўзак; ядро; **~ коллекти́ва** коллективнинг негизи (ўзаги).

КОСТЯНИКА *ж* қизил маймунжон (бута ўсимлик ва унинг меваси).

КОСТЯНИЧНЫ/Й, -ая, -ое қизил маймунжонга оид; қизил маймунжондан қилинган; қизил маймунжон...; **~е ли́стья** қизил маймунжоннинг барглари; **~й кисе́ль** қизил маймунжон кисели.

КОСТЯНКА *ж, р. мн.* **-нок** *бот.* данакли мева.

КОСТЯН/ОЙ, -а́я, -о́е 1 суякдан (ёки дандондан) қилинган; **~о́й нож** сопи суяк пичоқ, дандонсоп пичоқ; 2 суякдан, тишдан олинган, тайёрланган; суяк...; **~о́й клей** суяк елими; **~а́я мука́** суяк уни.

КОСТЯШКА *ж, р. мн.* **-шек** *разг.* 1 бармоқнинг бўғин суяги, кўзи; 2 суяк парчаси, суяк синиғи; 3 суякдан қилинган майда-чуйда буюм; 4 чўт тугмаси, донаси.

КОСУЛЯ I *зоол.* буғунинг бир тури.

КОСУЛЯ II *ж обл.* омочнинг бир хили.

КОСУШКА *ж, р. мн.* **-шек** *уст. прост.* ярим шиша арақ.

КОСЫНК/А *ж, р. мн.* **-нок** косинка, учбурчак рўмол, қийиқ рўмол; **шёлковая ~а** ипак косинка; **повяза́ть ~у** косинка ўрамоқ (бошга).

КОСЬБА́ *ж по гл.* **коси́ть** I, 1; **~ трав** ўт ўриш.

КОСЯК I *м, р.* **-а́** 1 ёндор (кесаки ёндори); **дверно́й ~** эшик ёндори; 2 туморча (учбурчак) ер.

КОСЯК II *м, р.* **-а́** 1 уюр; 2 тўп, тўда, гала; **~ се́льди** сельдь балиқлари тўдаси; **~ журавле́й** турналар галаси.

КОСЯКО́М *нареч. разг.* қиялаб, қиямасига; ёнбошлатиб; **дождь льёт ~** ёмғир қиялаб қуймоқда.

КОСЯЧНЫЙ, -ая, -ое *прил. от* **кося́к** II уюрга оид; уюрдаги; уюр...; **~ жеребе́ц** уюр айғири.

КОТ *м, р.* **-а́** 1 мушук (эркаги); 2 *уст.* ўйнаш ҳисобига яшовчи эркак; ✦ **~ напла́кал** жуда оз, арзимайдиган даражада оз, зиғирдай; **~а́ в мешке́ купи́ть** кўрмасдан-билмасдан сотиб олмоқ, номаълум нарсани сотиб олмоқ.

КОТАНГЕНС *м мат.* котангенс (бурчакка ёпишган катетнинг қаршидаги катетга нисбати).

КОТЁЛ *м, р.* **-тла́** 1 қозон; дошқозон; **ме́дный ~** мис қозон; 2 иссиқ овқат, таъминот (ҳарбий қисмларда ва ҳ. к.); 3 *тех.* қозон; **парово́й ~** буғ қозони; **котлы́ высо́кого давле́ния** юқори босимли қозонлар; 4 *воен.* қуршов; **Корсу́нь-Шевче́нковский ~** Корсун-Шевченко қуршови; 5 қимо́рда ганак солинадиган қути ва ганакнинг ўзи; ✦ (как) **в котле́ кипе́ть (или вари́ться) тинимсиз ҳаракатда бўлмоқ**, тўхтовсиз югуриб-елмоқ, куйиб-пишмоқ; (голова́) с (или **как**) **пивно́й ~** *прост.* боши хумдек, хумкалла.

КОТЕЛО́К *м, р* **-лка́** 1 *уменьш. от* **котёл** 1 кичкина қозон, қозонча, декча; 2 котелок (солдатларнинг ёнда олиб юриладиган декчаси); **солда́тский ~** солдат котелоги; 3 котелок (бош кийим тури); 4 *перен. прост.* ақл, мия, калла.

КОТЕЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое 1 буғ қозонга оид; буғ қозон...; **~ый заво́д** буғ қозон заводи; буғ қозон ясайдиган завод; 2 қозонбоп; буғ қозон қилинадиган; **~ое желе́зо** қозонбоп (буғ қозонбоп) темир (тунука); 3 *в знач. сущ.* **~ая** *ж* қозонхона (буғ қозон ўрнатилган хона, бино); **~ая парово́го отопле́ния** буғ билан иситиш қозонхонаси.

КОТЕЛЬЩИК *м* 1 дегрез, қозон қуювчи, қозон ясовчи; 2 буғ қозонга қаровчи, ундан фойдаланувчи мутахассис, буғ қозончи; **инжене́р-~** буғ қозон инженери.

КОТЁНОК *м, р.* **-нка**, *мн.* **коля́та** мушук боласи, мушук бола.

КОТИК I *м уменьш.-ласк. от* **кот** мушукча, мушуквой.

КОТИК II *м* 1 котик, денгиз мушуги (тюленнинг бир тури); **морско́й ~** денгиз мушуги; **охра́на ~ов** денгиз мушугини муҳофаза қилиш; 2 котик (денгиз мушугининг мўйнаси).

КОТИКОВ/ЫЙ, -ая, -ое 1 котикка, денгиз мушугига оид; денгиз мушуги...; **~ый про́мысел** денгиз мушуги овлаш; 2 денгиз мушуги терисидан (мўйнасидан) қилинган; котик...; **~ая шу́ба** котик пўстин, денгиз мушуги мўйнасидан қилинган пўстин.

КОТИЛЬО́Н *м* котильон (эски рақсларнинг бир тури ва унинг музикаси).

КОТИ́РОВАТЬ *сов.* и *несов. что* курсини, биржадаги баҳосини белгиламоқ, аниқламоқ (қимматли қоғоз, чет эл пули, товар ва ш. к. ҳақида).

КОТИ́РОВАТЬСЯ *несов.* 1 *фин.* биржада белгили нархга, қимматга эга бўлмоқ; биржада юрмоқ (муомалада бўлмоқ); 2 *перен.* баҳоланмоқ, баҳо олмоқ; ҳисобланмоқ; жамиятда маълум қадр-қимматга, обрўга эга бўлмоқ; қадр топмоқ; **как худо́жник он коти́руется не о́чень высоко́** рассом сифатида у айтарли обрўга эга эмас (унча юқори баҳоланмайди); 3 *страд. от* **коти́ровать.**

КОТИРО́ВКА *ж* 1 *по гл.* **коти́ровать и коти́роваться** 1; 2 биржада юриш (айланиш, муомалада бўлиш).

КОТИРО́ВОЧН/ЫЙ, -ая, -ое *фин.* биржа нархлари билан боғлиқ бўлган; **~ая коми́ссия** баҳо (нарх) белгиловчи комиссия.

КОТИ́ТЬСЯ, -и́тся *несов.* болаламоқ (мушук, қуён ва баъзи бошқа ҳайвонлар ҳақида); қўзиламоқ (қўй ҳақида).

КОТЛЕ́ТА *ж* котлет; **мя́сные ~ы** гўшт котлет; **карто́фельные ~ы** картошка котлет.

КОТЛЕ́ТКА *ж, р. мн.* **-ток** *уменьш. от* **котле́та** майда котлет; котлет.

КОТЛЕ́ТНЫЙ, -ая, -ое котлетга оид; котлет...; **~ фарш** котлет қиймаси.

КОТЛОВА́Н *м* котлован (пойдевор ётқизиш учун қазилган чуқур); **рыть ~** котлован қазимоқ.

КОТЛОВИ́НА *ж* ҳавза, товоқсой (гир атрофи баланд тепалар, тоғлар билан ўралган товоқсимон чуқур ер); **го́рная ~** тоғ ҳавзаси.

КОТЛОВИ́ННЫЙ, -ая, -ое ҳавзага оид; **~ое о́зеро** ҳавзадаги кўл, товоқсой кўли.

КОТО́К *м, р.* **-тка́** *ласк. от* **кот** *фольк.* мушуквой.

КОТО́МКА *ж, р. мн.* **-мок** елкахалта, йўлхалта (елкага осиб юриладиган халта, сумка).

КОТО́Р/ЫЙ, -ая, -ое *мест.* 1 *вопросит.* қай (қайси) бири, қайсиниси, қайси; **~ый из них?** улардан қайси бири; 2 *вопросит.* нечанчи, неча; **~ый час?** соат неча?; **~ый ему́ год?** унинг ёши нечада?; 3 *неопр. прост.* баъзиси, кайбири, бири, бошқаси; бирортаси;— **На́до бы голубе́й Ва́синых сосчита́ть, не пропа́ли бы ~ые** (Чехов) Васянинг каптарларини бир санаб кўриш керак, бирортаси (қайбирлари) йўқолган бўлмасин; **~ые ребя́та уро́ки гото́вят, ~ые безде́льничают** баъзи болалар дарс тайёрлашяпти, баъзилари эса бекор ўтиришибди; 4 *неопр.* неча-неча, алланеча, бир неча бор, кўп марта; **~ый раз э́то ему́ повторя́ть** унга бу (гап)ни неча марта такрорлаш керак; **~ый день тебя́ не**

www.ziyouz.com kutubxonasi

ви́дно анчадан бери кўринмай қолдинг; 5 *относит.* эргаш гапларни қўшиш учун хизмат қилади; қайсики, яъни; **кни́га, ~ую я купи́л** мен сотиб олган китоб; **зда́ние, в ~ом помеща́ется шко́ла** қайсики (яъни) мактаб жойлашган бино; **я не зна́ю, в ~ом часу́ начина́ется конце́рт** концерт қайси соатда бошланади, билмайман (бошланишини билмайман); ✦ **с ~ых пор** қачондан бери; анчадан бери.

КОТО́РЫЙ-ЛИ́БО, -ая-л., -ое-л. *мест. неопр. то же, что* **кото́рый-нибу́дь.**

КОТО́Р/ЫЙ-НИБУ́ДЬ, -ая-н., -ое-н. *мест. неопр.* бирортаси, қайси биридир, қайсиниси бўлса-да, бирови; **~ый-н. из них пойдёт с на́ми** уларнинг бирортаси биз билан боради (борар); **возьми́ ~ую-н. из книг** китоблардан бирортасини ол.

КОТО́РЫЙ-ТО, -ая-то, -ое-то *мест. неопр.* қайси бирчидир; **~ из них мне знако́м** уларнинг қайси биридир менга таниш.

КОТТЕ́ДЖ *м* коттедж.

КОТУ́РН/Ы *мн (ед.* **коту́рн** *м)* жуда қалин тагчарм ли пойабзал (қадимги Рим ва юнон театрларида); ✦ **ходи́ть на ~ах** ўзини улуғ фаҳмламоқ, улуғлик гумон қилмоқ.

КОТЫ *мн. обл.* иссиқ заифона пойабзал, иссиқ кавуш, иссиқ туфли.

КОФЕ *м нескл.* 1 кофе (дарахти); 2 кофе (меваси, уруғи ва ундан тайёрланган порошок); **сбор ~** кофе термоқ, кофе йиғмоқ; **толо́чь ~** кофе туймоқ; 3 кофе, қаҳва; **вари́ть ~** кофе тайёрламоқ (пиширмоқ); **пить ~** кофе ичмоқ; **чёрный ~** қора (сутсиз) кофе; 4 кофе ичиш, кофехўрлик, қаҳвахўрлик; **у́тренний ~** эрталабки кофе; **бесе́да за ~** кофе ичиб суҳбатлашмоқ.

КОФЕВА́РКА *ж, мн* **-рок** кофе қайнатадиган асбоб.

КОФЕЁК *м, р.* **-ейка́** и **-ейку́** *ласк. от* **ко́фе** 3 кофе, қаҳва; **вы́пей кофейку́** кофедан ич (ичиб кўр, тотиб кўр).

КОФЕ́ИН *м* кофеин (кофе уруғи ёки чой баргидан олинадиган алколоид).

КОФЕ́ЙНИК *м* кофейник (кофе қайнатадиган идиш); **фарфо́ровый ~** чинни кофейник.

КОФЕ́ЙНИЦА *ж* 1 кофейница (кофе майдалайдиган қўл тегирмон); 2 кофедон, кофе қутиси; 3 *разг.* кофехўр аёл.

КОФЕ́ЙН/ЫЙ, -ая, -ое 1 кофега оид; кофе...; **~ая планта́ция** кофезор, кофе плантацияси; **~ые бобы́** кофе дуккаклари; 2 кофе қўшилган, кофели; **~ый торт** кофели торт; 3 кофе тусидаги, тўқ жигар ранг; 4 *в знач. сущ.* **~ая** *ж уст. то же, что* **кофе́йня;** ✦ **гада́ть на ~ой гу́ще** *см.* **гада́ть.**

КОФЕ́ЙНЯ *ж, р. мн.* **-е́ен** *уст. что* кофехона, қаҳвахона.

КОФР *м* 1 бир неча хонали сандиқ; 2 *воен. уст.* хандақ остидан ковланган йўлак, тилсим йўл.

КО́ФТА *ж* 1 кофта; 2 *прост.* аёлларнинг қисқа пальтоси.

КО́ФТОЧКА *ж, р. мн.* **-чек** *уменьш. от* **ко́фта** кофтача; кофта; **шёлковая ~** шоҳи кофта.

КОЧА́Н *м, р.* **-а́** и **-чна́** 1 бош (карамнинг боши); **~ капу́сты** карамнинг боши; бир бош карам; 2 *обл.* сўта (маккажўхори сўтаси).

КОЧА́ННЫЙ, -ая, -ое карам бошига оид; бош ўрайдиган; бошли; **~ая капу́ста** 1) бошли (бош ўрайдиган) карам; 2) бошлигича (тўғралмасдан) тузланган карам; **~ый сала́т** бошли (бош ўрайдиган) салат.

КРЕСТИ́ТЬ, крещу́, кре́стишь 1 *сов.* и *несов. (сов. также* **окрести́ть**) *кого* чўқинтирмоқ; чўқинтириб христиан динига киритмоқ, чўқинтириб исм (от) қўймоқ; 2 *несов. (сов.* **окрести́ть**) *кого-что прост.* ном қўймоқ, лақаб бермоқ; 3 *несов. кого* чўқинтириб ота (ёки она) бўлмоқ; 4 *несов. (сов.* **окрести́ть**) *что* крест аломати қўймоқ; ✦ **не дете́й** *~ кому с кем* у билан нима алоқам бор (ҳеч алоқам йўқ); у билан бўлиша олмайдиган ҳеч нарсамиз йўқ.

КРЕСТИ́ТЬСЯ, крещу́сь, кре́стишься 1 *сов.* и *несов. (сов. также* **окрести́ться**) чўқинтирилмоқ, христиан динига киритилмоқ; 2 *несов. (сов.* **перекрести́ться**) чўқинмоқ, христиан динига кирмоқ.

КРЕ́СТНИК *м* чўқинтирилган ўғил (чўқинтирган ота-онага нисбатан).

КРЕ́СТНИЦА *ж* чўқинтирилган қиз (чўқинтирган ота-онага нисбатан).

КРЕ́СТН/ЫЙ, -ая, -ое крестга, крест ишорасига оид; ✦ **~ое знаме́ние** крест (чўқиниш) ишораси; **~ое целова́ние** *ист.* крестни ўпиб қасамёд қилиш; **~ый ход** черков аҳлининг крест, санам ва туғ кўтариб ўтказадиган намойиши; **с на́ми ~ая си́ла** *прост. уст.* худо бизга ёр, худо ўзинг сақла (христианларнинг қўрққанда ёки таажжубланганда айтадиган ояти).

КРЕ́СТН/ЫЙ, -ая, -ое 1 чўқинтиришга, чўқинтириш маросимига оид; чўқинтириш...; чўқинтирган, чўқинтирилган; **~ый оте́ц** чўқинтирган ота (чўқинтирилган ўғил-қизга нисбатан); **~ая мать** чўқинтирган она (чўқинтирилган ўғил-қизга нисбатан); **~ый сын** чўқинтирилган ўғил (чўқинтирган ота-онага нисбатан); 2 *в знач. сущ.* **~ый** *м разг. то же, что* **крёстный оте́ц; ~ая** *ж разг. то же, что* **крёстная мать.**

КРЕСТОВИ́К *м, р.* **-а́** бутли ўргимчак (орқасида крест шаклидаги белгиси бўлган заҳарли ўргимчак).

КРЕСТОВИ́НА *ж* крестовина (1 бир-бирига кўндаланг қилиб чалиштирилган икки ёғоч ёки тахта, шу шаклдаги деталь; 2 *ж.-д.* темир йўл изларининг поездни бир йўлдан бошқа йўлга солиб юборадиган қисми).

КРЕСТО́ВНИК *м* сариқбош (ўт).

КРЕСТО́ВЫ/Й I, -ая, -ое крест шаклидаги, крестсимон, бутсимон; **~й свод** крестсимон гумбаз; ✦ **~е похо́ды** *ист.* салиб юришлари (Ғарбий Европа рицарларининг шарқ мамлакатларига қарши тажовузкорлик юришлари).

КРЕСТО́ВЫЙ II, -ая, -ое *прост. то же, что* **трефо́вый.**

КРЕСТОНО́СЕЦ *м, р.* **-сца** *ист.* салиб юришлари қатнашчиси.

КРЕСТООБРА́ЗНЫЙ, -ая, -ое; -зен, -зна крестга ўхшаш, крест (бут) шаклидаги.

КРЕСТОЦВЕ́ТНЫ/Е *мн., р.* **-ых** *бот.* крестгуллилар.

КРЕСТЦО́В/ЫЙ, -ая, -ое думғазага оид; думғаза...; **~ая кость** думғаза суяги.

КРЕСТЬЯ́НИН *м, мн.* **-я́не** деҳқон.

КРЕСТЬЯ́НКА *ж, р. мн.* **-нок** деҳқон аёл.

КРЕСТЬЯ́НСК/ИЙ, -ая, -ое деҳқонларга оид; деҳқон (лар)...; **~ий труд** деҳқон(лар) меҳнати; **~ий двор** деҳқон хўжалиги; деҳқон хонадони; **~ое сосло́вие** деҳқонлар табақаси.

КРЕСТЬЯ́НСТВО *с* 1 деҳқонлар; **сою́з пролетариа́та с ~м** пролетариатнинг деҳқонлар билан иттифоқи; **колхо́зное ~** колхозчи деҳқонлар; 2 *обл.* деҳқончилик; **заня́ться ~м** деҳқончилик қилмоқ, деҳқончилик билан шуғулланмоқ.

КРЕСТЬЯ́НСТВОВАТЬ *несов.* деҳқончилик қилмоқ, деҳқон бўлмоқ.

КРЕТИ́Н *м* 1 кретин (кретинизм касалига йўлиққан киши); 2 *прост. бран.* эси паст, тентак, аҳмоқ.

КРЕТИНИ́ЗМ *м* 1 кретинизм (қалқонсимон безлар функцияси заифлашиб, жисмоний ва руҳий жиҳатдан ўсмай қолишдан иборат касаллик); 2 *перен.* эси пастлик, тентаклик, аҳмоқлик.

КРЕТИ́НКА *ж, р. мн.* **-нок** *см.* **кретин.**

КРЕТО́Н *м* кретон (қалин ип газлама тури).

КРЕТО́ННЫЙ, -ая, -ое *то же, что* **крето́новый.**

КРЕТО́НОВЫЙ, -ая, -ое кретонга оид, кретондан қилинган; кретон...; **~ за́навес** кретон дарпарда.

КРЕ́ЧЕТ *м* шумкар.

КРЕЩЕ́НДО *нареч. муз.* борган сари баланд, тобора авжга.

КРЕЩЕ́НИЕ *с* 1 чўқинтириш, христиан динига киритиш; 2 бут ювиш байрами; ✦ **боево́е ~** 1) жангга биринчи марта кириш; 2) биринчи синов, биринчи сабоқ, дастлабки қадам, дастлаб иш бошлаш.

КРЕЩЕ́НСКИ/Й ~е моро́зы (или **холода́**) чилла совуғи (январь ойида бўладиган қаттиқ совуқлар).

КРЕЩЁНЫЙ, -ая, -ое 1 чўқинтирилган, чўқинган, христиан динига кирган; 2 *в знач. сущ.* **~ м** *разг. уст.* христиан динидаги киши, христиан.

КРИ́ВДА *ж фольк.* ёлғон, ёлғон-яшиқ; ноҳақ иш, гап.

КРИВИЗН/А *ж* 1 эгрилик, қийшиқлик, қинғирлик, эгилганлик, букилганлик, қийшайганлик; қинғир-қийшиқлик, эгри-бугрилик; **~а́ бревна́** ходанинг эгрилиги; 2 *мат.* эгрилик; **ра́диус ~ы** эгрилик радиуси.

КРИВИ́ТЬ, -влю́, -ви́шь *несов. что* 1 (*сов.* **покриви́ть** и **скриви́ть**) қийшайтирмоқ, эгри (қийшиқ) қилмоқ; **~ каблуки́** пошнани қийшайтирмоқ; 2 (*сов.* **скриви́ть**) қийшайтирмоқ, бурмоқ, буриштирмоқ; **~ лицо́** афтини буриштирмоқ; **~ рот** оғзини қийшайтирмоқ, лабини бурмоқ; ✦ **~ душо́й** иккиюзламалик (мунофиқлик) қилмоқ, билиб туриб ёлғон гапирмоқ.

КРИВИ́ТЬСЯ, -влю́сь, -ви́шься *несов.* 1 (*сов.* **покриви́ться** и **скриви́ться**) эгилмоқ, букилмоқ, қийшаймоқ, ормоқ, қинғаймоқ, бурушмоқ; 2 (*сов.* **скриви́ться**) афтини буришитирмоқ, оғзини (лабини) қийшайтирмоқ (бурмоқ, жийирмоқ).

КРИВЛЯ́КА *м* и *ж разг.* қийшанқи, қилиқдор, танноз.

КРИВЛЯ́ТЬСЯ *несов.* қийшангламоқ, қилиқ қилмоқ, ноз ланмоқ, таннозлик қилмоқ.

КРИВОБО́КИЙ, -ая, -ое 1 букри, бели қийшиқ; 2 бир томонга эгилган, қийшайган, оққан; **~ доми́шко** бир томонга қийшайган (оққан) уй.

КРИВОДУ́ШИЕ *с уст.* риёкорлик, мунофиқлик, ёлғончилик, виждонни ютиш.

КРИВОДУ́ШНЫЙ, -ая, -ое; -шен, -шна *уст.* риёкор, мунофиқ, ёлғончи, виждонфуруш.

КРИВ/О́Й, -а́я, -о́е 1 эгри, қийшиқ, қинғир, қинғир-қийшиқ, эгри-бугри; **~а́я са́бля** эгри қилич, шоп; 2 бир томонга оққан, қийшайган, энкайган; **~о́й забо́р** қийшайган (оққан) девор; 3 *в знач. сущ.* **~а́я** *ж мат.* эгри чизиқ; **провести́ ~у́ю** эгри чизиқ ўтказмоқ; 4 *в знач. сущ.* **~а́я** *ж чего* эгри чизиқ (бирор нарсанинг ўзгаришларини кўрсатувчи график тасвир); **~а́я температу́ры** ҳарорат эгри чизиғи; **~а́я ро́ста производи́тельности труда́** меҳнат унумдорлигининг ўсишини кўрсатувчи эгри чизиқ; **затуха́ющая ~а́я капиталисти́ческой экономики** капиталистик экономиканинг тобора пасайиб, сўниб бораётганини кўрсатувчи эгри чизиқ; 5 қийшиқ, кўр; оқиб тушган; **~о́й глаз** қийшиқ кўз; кўр кўз; **он ~ на ле́вый глаз** унинг чап кўзи қийшиқ (ёки кўр); **6** *разг.* бир кўзи кўр; бир кўз; **7** *уст.* нотўғри, ноҳақ, ёлғон; **~о́е толкова́ние** нотўғри талқин, бузиб талқин қилиш; ✦ **~о́е зе́ркало** 1) қийшиқ ойнак (кўзгу); 2) бузиб кўрсатиш, нотўғри талқин қилиш (тушунтириш, тушуниш); **~а́я улы́бка** (или **усме́шка**) сунъий кулги, зўрма-зўраки кулиш; масхаралаш; **~а́я вы́везет** (или **вы́несет**) бир гап бўлар, бўлганча бўлар, тавакка̀л;

www.ziyouz.com kutubxonasi

на ~ой не объе́дешь *кого* сира алдаёлмайсан, қўлга туширолмайсан, алдаб бўпсан.

КРИВОЛИНЕЙНОСТЬ *ж* эгри чизиқлилик, эгрилик.

КРИВОЛИНЕЙН/ЫЙ, -ая, -ое; -е́ен, -е́йна эгри чизиқли; қинғир-қийшиқ; **~ое движе́ние** эгри чизиқли ҳаракат; **~ая пове́рхность** эгри чизиқли сирт, эгри сирт.

КРИВОНО́ГИЙ, -ая, -ое қийшиқоёқ, қинғироёқ, маймоқ, оёғи (оёқлари) қийшиқ; **~ челове́к** қийшиқоёқ (маймоқ) одам; **~ стул** оёғи қийшайган (маймоқ) стул.

КРИВОНО́СЫЙ, -ая, -ое қийшиқбурун, бурни қийшиқ.

КРИВОРО́ТЫЙ, -ая, -ое қийшиқоғиз, оғзи қийшиқ.

КРИВОТО́ЛКИ *мн.* нотўғри (беҳуда) гаплар, асоссиз миш-мишлар; **вы́звать ~** нотўғри гапларга сабаб бўлмоқ; нотўғри гапларни юзага келтирмоқ.

КРИВОШЕ́ИЙ, -ше́яя, -ше́ее қийшиқбўйин, бўйни қийшиқ.

КРИВОШИ́П *м тех.* кривошип (тўғри чизиқли ҳаракатни айланма ҳаракатга айлантирадиган механизмларнинг зет (z) симон қисми).

КРИВОШИ́ПНЫЙ, -ая, -ое *тех.* кривошипга оид; кривошипли, кривошип...; **~ механи́зм** кривошипли механизм.

КРИЗИ́С *м* 1 кризис, кескин ўзгариш, бурилиш; **в их отноше́ниях наступи́л ~** уларнинг муносабатида кескин бурилиш бошланди; 2 *мед.* кризис (беморнинг ё уёқлик, ё буёқлик бўлишига олиб борадиган оғир ҳолат); **~ мино́вал, больно́й стал понра́вляться** кризис ҳолати ўтиб, бемор тузала бошлади; 3 *эк.* кризис; бўҳрон *(эск.)*; **аграрный ~** аграр кризис; **промы́шленный ~** саноат кризиси; **~ перепроизво́дства** ортиқча маҳсулот ишлаб чиқариш туфайли юз берган кризис; 4 кризис, танқислик, танглик, етишмаслик; **водяно́й ~** сув танқислиги (етишмаслиги); **энергети́ческий ~** энергетик танглик; энергиянинг етишмаслиги; 5 *разг.* танг моддий аҳвол, пулсизлик; **у него́ сейча́с ~** у ҳозир танг аҳволда; ✦ **полити́ческий ~** сиёсий кризис, сиёсий аҳвол танглиги; **прави́тельственный ~** ҳукумат кризиси, танглиги (бир ҳукумат истеъфога чиқиб, янги ҳукумат тузилмаган давр).

КРИЗИ́СН/ЫЙ, -ая, -ое кризисга оид; кризислар билан боғланган, кризис...; **~ое состоя́ние** кризис ҳолати; **~ые явле́ния в эконо́мике** экономикадаги кризис ҳодисалари.

КРИК *м* бақириқ, қичқириқ, қийқириқ, ҳайқириқ; шовқин, шовқин-сурон, дод, дод-фарёд; **послы́шались ~и** ҳайқириқ (шовқин-сурон, дод, дод-фарёд) эшитилди; **возвы́сить го́лос до ~а** овозини қўйиб бақирмоқ; 2 ҳайвонларнинг, қушларнинг қичқириши, қичқириғи; **~ петуха́** хўрознинг қичқириши; **~ осло́в** эшакларнинг ҳанграши; 3 *перен. чего* садо, овоз; **~ ра́дости** шодлик садоси; 4 бақириқ-чақириқ, ўйқириқ, сўкишиш, жекириш; уриш-жанжал, шовқин-сурон; **~ начала́сь из-за пустяка́** арзимаган нарсадан шовқин-сурон (уруш-жанжал) бошланди; ✦ **после́дний ~ мо́ды** энг сўнгги антиқа мода.

КРИКЕ́Т *м* крикет (тўп ўйинининг бир тури).

КРИКЛИВОСТЬ *ж* 1 бақироқлик, вағвағлик, шанғилик; **отлича́ться ~ю** бақироқлиги билан ажралиб турмоқ; 2 қаттиқлик, ўткирлик.

КРИКЛИ́В/ЫЙ, -ая, -ое 1 бақироқ, вағвағ, шавақи, шанғи; **~ый челове́к** бақироқ одам; 2 қулоқни тешадиган, қаттиқ, ўткир; **~ый го́лос** қаттиқ (ўткир) овоз; 3 овози қаттиқ (ўткир); **~ый петух** овози қаттиқ (ўткир) хўроз; 4 шовқинли, шовқин-суронли, сертўполон; **~ые и́гры дете́й** болаларнинг шовқин-суронли (сертўполон) ўйинлари; 5 *перен.* кўзга ташланадиган, ҳаммани ўзига қаратадиган, ярқироқ, дабдабали, тамтарокли, манман деб турадиган, серҳашам; антиқа; **ше́лк ~ой расцве́тки** ярқироқ гулли шоҳи; **~ое пла́тье** серҳашам (антиқа) кўйлак.

КРИКНУТЬ *сов. однокр. см.* **крича́ть** 1—3, 5, 6.

КРИКУ́Н *м, р.* **-а́** *разг.* 1 бақироқ одам, шанғи, шавақи, вагвағ; 2 *перен.* гапни олиб қочадиган одам, қуруқ гап, қуруқ маҳмадона, гапбоз.

КРИКУ́НЬЯ *ж, р. мн.* **-ний** *см.* **крику́н.**

КРИМИНА́Л *м разг.* жиноий иш, жиноят; **э́то не ~** ҳечқиси йўқ, бу жиноят эмас.

КРИМИНАЛИ́СТ *м* криминалист (криминалистика мутахассиси).

КРИМИНАЛИ́СТИКА *ж* криминалистика (жиноий ишларни текшириш методикаси, тактикаси ва техникаси ҳақидаги юридик фан).

КРИМИНАЛИ́СТИЧЕСК/ИЙ, -ая, -ое криминалистикага оид, криминалистик; криминалистика...; **~ая экспертти́за** криминалистик экспертиза.

КРИМИНА́ЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое криминал, жиноий, жиноятга оид; **~ый посту́пок** жиноий ҳаракат; **~ое де́ло** жиноий иш.

КРИМИНО́ЛОГ *м* криминолог, криминология мутахассиси.

КРИМИНОЛОГИ́ЧЕСКИЙ, -ая, -ое криминологияга оид, криминологик; криминология...

КРИМИНОЛО́ГИЯ *ж* криминология (жиноятчилик, унинг сабаблари ва жиноятларнинг олдини олиш чоралари ҳақидаги фан).

КРЙНКА и **КРЫНКА** *ж, р. мн.* **-нок** кувача, мўнди; **~ молока́** бир кувача сут.

КРИНОЛИ́Н *м* кринолин (ўтган асрда расм бўлган чамбаракли кенг юбка).

КРИПТОГРА́ММ/А *ж* криптограмма (сирли белги ва ишоралар билан битилган хат ёки ҳужжат); **расшифрова́ть ~у** криптограммани очмоқ (ўқимоқ).

КРИПТОГРА́ФИЯ *ж* криптография (сирли белги ва ишоралар билан ёзиш системаси).

КРИПТО́Н *м* криптон (химиявий элемент, инерт газ).

КРИПТОНО́ВЫ/Й, -ая, -ое криптонга оид; криптонли; криптон...; **~е ла́мпы** криптон лампалар (криптон билан тўлдирилган лампалар).

КРИСТА́ЛЛ *м* 1 кристалл; **~ы льда** муз кристаллари; 2 *уст. то же, что* **хруста́ль**; ✦ **го́рный ~** *уст.* тоғ хрустали, биллур, шаффоф кварц.

КРИСТАЛЛИЗАЦИО́НН/ЫЙ, -ая, -ое кристаллизацияга оид, кристаллизация учун хизмат қиладиган; кристаллизацион; кристаллизация...; кристаллаш...; кристалланиш; **~ое состоя́ние** кристалланиш ҳолати; **~ый аппара́т** кристаллизация (кристаллаш) аппарати.

КРИСТАЛЛИЗА́ЦИЯ *ж* кристаллизация, кристалланиш, кристаллга айланиш (айлантириш), кристалл ҳолига келиш (келтириш); **~ раство́ров** эритмаларнинг кристалланиши; эритмаларни кристалл ҳолига келтириш.

КРИСТАЛЛИЗИ́РОВАТЬ *сов.* и *несов. (сов. также* **закристаллизи́ровать***) то же, что* **кристаллизова́ть.**

КРИСТАЛЛИЗИ́РОВАТЬСЯ, -руется *сов.* и *несов. (сов. также* **вы́кристаллизироваться** и **закристаллизи́роваться***) то же, что* **кристаллизова́ться.**

КРИСТАЛЛИЗО́ВАТЬ, -зу́ю, -зу́ешь *сов.* и *несов. (сов. также* **закристаллизова́ть***) что* кристалламоқ, кристаллга айлантирмоқ, кристалл ҳолига келтирмоқ.

КРИСТАЛЛИЗОВА́/ТЬСЯ, -зу́ется *сов.* и *несов.* 1 *(сов. также* **вы́кристаллизоваться** и **закристаллизова́ться***)* кристалланмоқ, кристаллга айланмоқ, кристалл ҳолига келмоқ; 2 *(сов. также* **вы́кристаллизоваться***) перен. книжн.* маълум бир шаклга кирмоқ, шаклланмоқ, шакл олмоқ, қарор топмоқ; **у нас ~лись но́вые обще́ственные отноше́ния** бизда янги ижтимоий муносабатлар қарор топди.

КРИСТА́ЛЛИК *м уменьш. от* **криста́лл** 1 кристаллча, кичкинагина кристалл.

КРИСТАЛЛИ́ЧЕСК/ИЙ, -ая, -ое 1 кристаллга оид; кристаллик; кристал(лар)...; **~ая решётка** кристаллар панжараси; **~ое состоя́ние вещества́** модданинг кристалл ҳолати; 2 кристаллардан тузилган, кристаллардан иборат бўлган; кристаллик; кристалл...; **~ий туф** кристалл (кристаллик) туф; **~ие го́рные поро́ды** кристалл (кристаллик) тоғ жинслари.

КРИСТАЛЛОГРАФИ́ЧЕСКИЙ, -ая, -ое кристаллографияга оид; кристаллографик; кристаллография...

КРИСТАЛЛОГРА́ФИЯ *ж* кристаллография (кристаллар ва модданинг кристалл ҳолати ҳақидаги фан).

КРИСТА́ЛЬНОСТЬ *ж* тозалик, софлик, тиниқлик, шаффофлик; **~ воды́** сувнинг тозалиги (тиниқлиги).

КРИСТА́ЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое; -лен, -льна 1 *уст. то же, что* **хруста́льный**; 2 *перен.* тоза, соф, тиниқ, шаффоф, зилол; **~ый ключ** суви тоза (тиниқ) булоқ, зилол чашма; 3 *перен.* **соф, пок, ҳалол, тоза, софдил, оқ кўнгил; ~ой**

www.ziyouz.com kutubxonasi

чистоты́ челове́к биллурдек тоза (пок) одам, оқ кўнгил (софдил) одам.

КРИТЕ́РИ/Й *м книжн.* критерий, мезон, ўлчов, белги, аломат; **~й це́нности нау́чного труда́** илмий асарнинг қийматини белгиловчи критерий (мезон, ўлчов); **избра́ть ~ем** критерий қилиб олмоқ (қабул қилмоқ, танламоқ); ✦ **~й и́стины** *филос.* ҳақиқат критерийси.

КРИ́ТИК *м* 1 танқидчи, танқид қилувчи, камчиликларни фош қилувчи одам; **~ов мно́го, а рабо́те помо́чь не́кому** танқидчилар кўп-ку, лекин ишга ёрдамлашадиган ҳеч ким йўқ; 2 танқидчи (танқидчилик билан шуғулланувчи) адиб, мунаққид; **литерату́рный ~** адабий танқидчи; **театра́льный ~** театр танқидчиси.

КРИ́ТИК/А *ж* 1 танқид, танқид қилиш, танқид остига олиш; танқидий муҳокама; **стро́гая ~а** қаттиқ танқид; **~а** *чьего-л.* **посту́пка** кимсанинг қилмишини танқид қилиш; **~а недоста́тков в рабо́те** ишдаги камчиликларни танқид қилиш (танқид остига олиш); **~а произведе́ний писа́теля** ёзувчи асарларини танқид (танқидий муҳокама, таҳлил) қилиш; **подве́ргнуть ~е** танқид қилмоқ; 2 танқид (тадқиқ, таҳлил) қилиш, текшириш; тадқиқ, таҳлил; **~ те́кста** текстни тадқиқ қилиш, текст тадқиқи; 3 танқид, танқидчилик (адабий жанр); **исто́рия ру́сской ~и** рус танқидчилиги тарихи; **музыка́льная ~а** музика танқидчилиги; **театра́льная ~а** театр танқидчилиги; 4 *собир.* танқид, танқидчилар, мунаққидлар; **~а справедли́во указа́ла на сла́бость поэ́мы** танқид (танқидчилар, мунаққидлар) поэманинг заиф томонларини ҳаққоний равишда кўрсатиб берди; 5 *уст.* танқидий мақола; танқидий мулоҳазалар; ✦ **не выде́рживает (никако́й) ~и** или **ни́же вся́кой ~и** танқиддан тубан, танқидга арзимайди; **наводи́ть ~у** танқид қилмоқ.

КРИТИКА́Н *м* танқидбоз, найзабоз (тўғри-нотўғрисини суриштирмай танқид қилаверувчи одам).

КРИТИКА́НКА *ж, р. мн.* **-нок** *см.* **критика́н.**

КРИТИКА́НСТВО *с* танқидбозлик, найзабозлик (тўғри-нотўғрисини суриштирмай танқид қилавериш).

КРИТИКА́НСТВОВАТЬ *несов.* танқидбозлик (найзабозлик) қилмоқ (тўғри-нотўғрисини суриштирмай танқид қилавермоқ).

КРИТИКОВА́ТЬ, -ку́ю, -ку́ешь *несов. кого-что* танқид қилмоқ.

КРИТИЦИ́ЗМ *м* 1 танқидий (танқид кўзи билан) қараш, танқидий назар; 2 *филос.* критицизм (немис философи Кантнинг ўз философиясига берган номи).

КРИТИ́ЧЕСКИ *нареч.* танқид кўзи билан, танқидий равишда, танқидий; **отнести́сь ~** *к чему-л.* бирор нарсага танқид кўзи билан қарамоқ, танқидий ёндашмоқ.

КРИТИ́ЧЕСК/ИЙ I, -ая, -ое 1 танқидий; танқид...; **~ая статья́** танқидий мақола; **~ий отде́л журна́ла** журналнинг танқид (танқидий) бўлими; 2 танқид кўзи билан қарайдиган, танқидий ёндашадиган, танқид (таҳлил, анализ) қила оладиган, танқидий; **~ий ум** танқидий онг, ўткир ақл; **~ий тала́нт** танқидий қараш (танқид қила билиш) таланти.

КРИТИ́ЧЕСК/ИЙ II, -ая, -ое 1 критик, кескин, нозик, жиддий; **~ий моме́нт бо́я** жангнинг кескин пайти; **~ий во́зраст** балоғат даври, балоғат ёши; 2 танг, оғир, мушкул, қийин; **оказа́ться в ~ом положе́нии** мушкул аҳволга тушиб қолмоқ; ✦ **~ое состоя́ние вещества́** *физ.* модданинг критик ҳолати (модданинг суюқ ҳолати билан буғ ҳолати ўртасидаги фарқ йўқолган пайт); **~ая температу́ра** *физ.* критик температура (критик ҳолатдаги температура).

КРИТИ́ЧНЫЙ, -ая, -ое; -чен, -чна *то же, что* **крити́ческий** I, 2.

КРИ́ЦА *ж тех.* крица (чўяндан махсус усул билан ҳосил қилинган юмшоқ темир).

КРИЧА́/ТЬ *несов.* 1 (*сов.* **кри́кнуть**) бақирмоқ, қичқирмоқ, қийқирмоқ, ҳайқирмоқ, додламоқ, дод солмоқ; **~ть от бо́ли** оғриқдан додламоқ, оғриққа чидолмай бақирмоқ; 2 (*сов.* **кри́кнуть**) қичқирмоқ, кишнамоқ, маърамоқ (ҳайвонлар ҳақида); **где-то вдали́ ~ли петухи́** қаердадир йироқда хўрозлар қичқирарди; 3 (*сов.* **кри́кнуть**) биғиллаб йиғламоқ, чинқирмоқ (бола ҳақида); 4 шовқинламоқ, шовқин солмоқ, вағилламоқ, шанғилламоқ, бақириб гапирмоқ; **~ть на всю ко́мнату** бақириб хонани бошига кўтармоқ; **переста́нь ~ть!** шанғиллама!; 5 (*сов.* **кри́кнуть**) *кого разг.* бақириб чақирмоқ; **кто-то меня́ кричи́т** кимдир мени чақираяпти; 6 (*сов.* **кри́кнуть**) *на кого* бақирмоқ, ўшқирмоқ, жекирмоқ, ўдағайламоқ; **что ты на него́ кричи́шь?** нега сен унга ўшқирасан?; 7 *о ком-чём разг.* оғиздан туширмай гапирмоқ, кўп ёзмоқ, жар солмоқ, шовқин кўтармоқ, оғиз кўпиртирмоқ; **об э́том фи́льме мно́го ~т** бу фильм ҳақида кўп гапиришмоқда (ёзишмоқда); 8 алоҳида ажралиб турмоқ, мана-ман деб турмоқ, кўзга ташланмоқ, ҳаммани ўзига қаратмоқ; 9 *разг.* додлаб чақирмоқ, додламоқ, дод-фарёд кўтармоқ; **~ть на по́мощь** дод-фарёд солиб ёрдамга чақирмоқ; ✦ **~ть на всех перекрёстках** ҳар жойда жар солиб юрмоқ (биров ҳақида салбий фикр тарқатмоқ); **хоть карау́л кричи́** *см.* **карау́л.**

КРИЧА́ЩИЙ, -ая, -ее 1 *прич. от* **крича́ть;** 2 *то же, что* **крикли́вый** 5.

КРО́В *м* 1 *книжн. уст.* том; 2 *книжн. уст.* чодир; ўтов (палатка ва ш. к.) ёпиғи; **полотня́ный ~** полотно чодир; 3 *перен. уст. поэт.* панох, қанот, соя; қучоқ, оғуш; **под ~ом но́чи** тун қучоғида (оғушида); қоронғи тунда; 4 *уст.* и *высок.* бошпана, макон, уй-жой, уй; **о́тчий ~** ота уйи, туғилган уй; **дать ~** *кому-л.* бошпана бермоқ; **оста́ться без ~а** бошпанасиз қолмоқ.

КРОВА́ВИТЬ, -влю, -вишь *несов. кого-что* қонга бўямоқ, қонга беламоқ (ботирмоқ); қон қилмоқ; **~ ру́ки** қўлларини қонга беламоқ; қўлларини қон қилмоқ.

КРОВА́ВИТЬСЯ, -влюсь, -вишься *несов.* қонга бўялмоқ, қонга беланмоқ (ботмоқ); қон қилмоқ.

КРОВАВО-КРА́СНЫЙ, -ая, -ое қондай қип-қизил; **~ зака́т** қондай қип-қизил шафақ, қуёшнинг қизариб ботиши.

КРОВА́В/ЫЙ, -ая, -ое 1 қонга оид; қонли; қон...; **~ое пятно́** қон доғи, қон теккан жой; **~ая пе́на** қонли кўпик; қон кўпиги; **~ая рво́та** қон аралаш қайт қилиш; 2 қони оқиб турган, қони чиқиб турган; **~ая ра́на** қони оқиб турган (қонаб турган) яра; 3 қонга беланган; қонга ботган, қонли; 4 *высок.* қонли, қон тўкиладиган, қурбон бериладиган; **~ая би́тва** қонли жанг; **~ая се́ча** қирғин, қон тўкиш, хунрезлик; 5 қонхўр, золим; **~ый царь** қонхўр подшо, золим подшо; 6 қип-қизил, қондек қизил; **~ый зака́т** қуёшнинг қизариб ботиши; **~ое за́рево** қип-қизил шуъла; ✦ **~ое воскресе́нье** *ист.* Қонли якшанба (1905 й. 9-январь ишчилар намойишини чор ҳукумати ўққа тутган кун); **~ые слёзы** қонли ёш, хуноба, зор-зор йиғлаш, қон йиғлаш; **~ый пот** қоп-қора тер; **до ~ого по́та** қоп-қора терга ботиб, тер тўкиб.

КРОВА́ТКА *ж, р. мн.* **-ток** *уменьш. от* **крова́ть** каравотча; кичкина каравот.

КРОВА́ТН/ЫЙ, -ая, -ое каравотга оид; каравот...; **~ая мастерска́я** каравот устахонаси.

КРОВА́ТЬ *ж* каравот; **двуспа́льная ~** икки кишилик каравот; **односпа́льная ~** бир кишилик каравот.

КРО́ВЕЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое томга, том ёпишга оид; томга ёпиладиган, том ёпиш учун ишлатиладиган; том ёпиш...; **~ые рабо́ты** том ёпиш ишлари; **~ые материа́лы** томга ёпиладиган материаллар; **~ое железо** тунука.

КРО́ВЕЛЬЩИК *м* тунукачи (томга тунука қоқувчи) уста.

КРОВЕНО́СНЫ/Й, -ая, ое *анат.* қон юрадиган; қон...; **~е сосу́ды** қон томирлари.

КРОВИ́НК/А *ж, р. мн.* **-нок** 1 *разг.* бир томчи қон; 2 *обл.* и *нар.-поэт.* жоним, кўзичоғим (ота-оналарнинг ўз болаларини эркалатиш формаси); ✦ **(ни) ~и в лице́ (нет, не оста́лось)** юзида қон қолмаган, рангида бир томчи қони йўқ (қолмапти).

КРО́ВЛ/Я *ж, р. мн.* **-вель** 1 том; **то́левая ~я** толь ёпилган том; толь том; **желе́зная ~я** тунука том; **крыть ~ю** том ёпмоқ; 2 *уст.* уй; уй-жой; 3 *геол.* устки қатлам (фойдали қазилма устидаги қатлам); ✦ **под одно́й ~ей** *с кем* бирга, бир уйда (яшамоқ, турмоқ); **жить под** *чьей* **~ей** кимсанинг уйида яшамоқ.

КРО́ВНО *нареч.* 1 жуда, жуда ҳам, ғоят; **быть ~ заинтересо́ванным** *в чём-л.* жуда манфаатдор бўлмоқ; 2 бир ота-онадан, қондош; **он ~ свя́зан со мной** у мен билан қон-қариндош; 3 қаттиқ, оғир; **~ оби́деть** *кого-л.* қаттиқ ранжитмоқ, кўнглини оғритмоқ.

www.ziyouz.com kutubxonasi

КРО́ВН/ЫЙ, -ая, -ое 1 қони (томири) бир, бир ота-онадан туғилган, туғишган, қон-қариндош; жигар; **~ый ро́дственник** қон-қариндош; **~ое родство́** қон-қариндошлик, жигарчилик; 2 *перен.* жонажон, жуда муҳим, ниҳоятда зарур; **~ый интере́с** зарур манфаат; **борьба́ за мир — ~ое де́ло всех наро́дов** тинчлик учун кураш ҳамма халқларнинг жонажон ишидир; 3 *перен.* жуда яқин, мустаҳкам; **~ая связь** яқин алоқа; мустаҳкам боғланиш; 4 зотли, наслдор; **~ый рыса́к** наслдор (зотли) йўртоқи от; **~ый производи́тель** наслдор айғир (ёки буқа ва ҳ. к.); 5 *уст.* аслзот, аслзода; асл, асли; **он ~ый ара́б** у асли араб; 6 *разг.* ҳалол меҳнат билан (пешана тери тўкиб) топилган; **~ые де́ньги** пешана тери тўкиб топилган пул; ✦ **~ый враг** ашаддий душман, ёвуз душман; **~ая вражда́** ашаддий душманлик, ғанимлик; **~ая месть** қонли қасос, хун (қонга қон олиш); **~ая оби́да** қаттиқ хафагарчилик; қаттиқ хафа қилиш, ранжитиш, кўнглини оғритиш.

КРОВОЖА́ДНОСТЬ *ж* қонхўрлик, золимлик, ёвузлик, ваҳшийлик, бераҳмлик.

КРОВОЖА́ДНЫЙ, -ая, -ое; -ден, -дна қонхўр, золим, ёвуз, ваҳший, бераҳм, йиртқич; **~ зверь** қонхўр (йиртқич) ҳайвон; **~ челове́к** қонхўр одам, золим одам; **~ враг** ёвуз душман.

КРОВОИЗЛИЯ́НИЕ *с* қон қуйилиш; **~ в мозг** мияга қон қуйилиши.

КРОВООБРАЩЕ́НИ/Е *с* қон айланиши; **большо́й круг ~я** катта қон айланиш доираси; **ма́лый круг ~я** кичик қон айланиш доираси.

КРОВООСТАНА́ВЛИВАЮЩИ/Й, -ая, -ее қон тўхтатадиган; **~е сре́дства** қонни тўхтатадиган дори-дармонлар.

КРОВОПИ́ЙСТВО *с* бировнинг қонини сўриш; қонхўрлик, золимлик, ёвузлик.

КРОВОПИ́ЙЦА *м и ж* бировнинг қонини сўрувчи, қонхўр, золим, ёвуз.

КРОВОПОДТЕ́К *м* қонталашган (моматалоқ бўлган) жой; қонталаш, моматалоқ; **~ под гла́зом** кўз остидаги қонталашган жой.

КРОВОПРОЛИ́ТИ/Е *с* қон тўкиш, хунрезлик, қирғин.

КРОВОПРОЛИ́ТН/ЫЙ, -ая, -ое; -тен, -тна қонли, кўп қон тўкиладиган, қирғин келтирадиган; **~ое сраже́ние** қонли жанг.

КРОВОПУСКА́НИЕ *с* қон олиш, қон олдириш.

КРОВОСМЕСИ́ТЕЛЬ *м* яқин қариндоши билан жинсий алоқада бўлган эркак.

КРОВОСМЕСИ́ТЕЛЬНИЦА *ж* яқин қариндоши билан жинсий алоқада бўлган аёл.

КРОВОСМЕ́ШЕНИЕ *с* яқин қариндошларнинг жинсий алоқада бўлиши.

КРОВОСО́С *м* 1 қонсўрар кўршапалак (Мексикада ва Жанубий Америкада); 2 *то же, что* **вампи́р**; 3 *прост. то же, что* **кровопи́йца.**

КРОВОСО́СНЫ/Й, -ая, -ое қон сўрадиган (тортадиган); қон олиш учун хизмат қиладиган; **~е ба́нки** қон тортадиган банкалар.

КРОВОТЕЧЕ́НИЕ *с* қон кетиш, қон оқиш; **~ из но́са** бурундан қон кетиши, бурун қонаши; **лёгочное ~** ўпкадан қон кетиш; **останови́ть ~** қонни (қон кетишини) тўхтатмоқ.

КРОВОТО́ЧИВОСТЬ *ж* 1 қонаш, қонаб (қон кетиб, оқиб) туриш; **~ дёсен** милкларнинг қонаши (қонаб туриши); 2 *мед.* қоннинг қуюлмаслиги; бот-бот қон кетиш касаллиги.

КРОВОТО́ЧИВ/Ый, -ая, -ое қонаб турадиган, қон оқиб (кетиб) турадиган; **~е дёсны** қонаб турадиган милк.

КРОВОТО́ЧИТ/Ь, -и́т *несов.* қонаб турмоқ, қон оқиб турмоқ, қон кетмоқ; **ра́на ~** яра қонаб турипти, ярадан қон чиқиб турипти (туради).

КРОВОХА́РКАНЬЕ *с* қон тупуриш, қон туплаш, қон ташлаш.

КРОВОХА́РКАТЬ *несов.* қон тупурмоқ, қон тупламоқ, қон ташламоқ.

КРО́В/Ь *ж, предл.* **о кро́ви, в крови́** 1 қон; **артериа́льная ~ь** артериал қон, артерия қони; **истека́ть ~ью** кўп қон кетмоқ, қон кетавериб ҳолдан тоймоқ; **пусти́ть ~ь** қон олмоқ; қон олдирмоқ; 2 *прост.* **қон, ҳайз, ой кўриш;** 3 *перен.* яқин қон-қариндош; яқин қон-қариндошлик; **мы одно́й ~и** бизнинг қонимиз бир, биз қон-қариндошмиз; **родна́я ~ь** қариндош, қон-қариндош, жигар; **го́лос ~и** жигарчилик; 4 зот, насл; **рыса́к чи́стых ~е́й** зотли (наслдор) йўртоқи от; 5 зот, насл, насл-насаб; **он каза́к по ~и** унинг зоти (насл-насаби) казак, у асли казак; 6 *перен.* қон тўкиш, ўлдириш, қирғин, хунрезлик; **избежа́ть ли́шней ~и** ортиқча қон тўкилишга йўл қўймаслик; 7 *перен.* мижоз, эҳтирос; **горя́чая ~ь** қизиқ қон; ✦ **по́ртить ~ь** *кому* қонини бузмоқ, қонини қайнатмоқ, таъбини хира (кир) қилмоқ; **в ~ь** или **до ~и** (изби́ть, разби́ть и т. п.) (уриб) қонга бўямоқ, қон-қора қон қилмоқ; **в ~и́** қонида бор, туғма; **э́то у него́ в ~и́** бу унинг қонида бор; **хра́брость у него́ в ~и́** ботирлик унинг қонида бор, у туғилишдан ботир; **голуба́я ~ь** аслзода; **~ь бро́силась** (или **ки́нулась, уда́рила**) **в го́лову** қон қайнаб кетди, жон ҳиқилдоққа келди; **~ь бро́силась в лицо́** юзи қизариб кетди; юзига қон югурди; **~ь говори́т** (или **заговори́ла**) *в ком* 1) ўзининг ...лигига борди; ўзининг ...лигини қилди; 2) жигарчилиги тутди; **~ь игра́ет** ғайратига чидай олмайди; **~ь кипи́т** *то же, что* **~ь игра́ет; ~ь стынет** (или **леденеет** и т. п.) **(в жи́лах)** нақ юрак чиқиб кетай (ёрилай) дейди, одамнинг қути учади; **~ь** *кого* **падёт на** *кого* хунига (қонига) жавобгар (жавоб беради); **броса́ть** (или **отворя́ть**) **~ь** *кому уст.* қон олмоқ; **лить** (или **прилива́ть**) **~ь** *чью* қон тўкмоқ; **лить** (или **проливать**) **(свою́)** **~ь** *за что* ўз қонини тўкмоқ, жон фидо қилмоқ; **пить** (или **соса́ть**) **~ь** *чью* қонини ичмоқ, қонини сўрмоқ, қийнамоқ, эзмоқ, азоб бермоқ; **по́ртить ~ь** *кому* қонини бузмоқ, қонини қайнатмоқ, таъбини хира (кир) қилмоқ; **по́ртить себе́ ~ь** қони қайнамоқ, таъби тирриқ (хира, кир) бўлмоқ, жаҳли чиқмоқ; **писа́ть ~ью (серд́цем)** *книжн.* юракдан чиқариб ёзмоқ, чин юракдан ёзмоқ; **се́рдце ~ью облива́ется** юрак эзилади, юрак (ич) ачийди; **~ь за ~ь** қонга қон, жонга жон; **~ь с молоко́м** (икки юзи) қип-қизил олмадек (анордек); **(хоть) ~ь и́з носу** *прост.* бурундан қон келгунча (ҳар қандай қийинчиликка қарамасдан).

КРОВЯ́НИСТ/ЫЙ, -ая, -ое қонли; қон аралаш; **~ое мя́со** қонли (қони кетмаган) гўшт; **~ое выделе́ние** қон аралаш йиринг.

КРОВЯ́Н/ОЙ, -а́я, -о́е 1 конга оид; қон...; **~о́е давле́ние** қон босими; 2 қонли, қонга бўялган; **~о́е пя́тно** қон доғи; 3 қондан қилинган, қондан тайёрланган; **~а́я колбаса́** қондан қилинган колбаса; **~о́е удобре́ние** қондан тайёрланган ўғит.

КРОЕ́НЫЙ, -ая, -ое бичилган, бичиқли; **~ материа́л** бичилган (бичиқли) материал.

КРОИ́ТЬ *несов.* (*сов.* **вы́кроить** и **скрои́ть**) *что* бичмоқ; **~ пла́тье** кўйлак бичмоқ; **~ загото́вки для ту́фель** туфли учун танавор бичмоқ; **~ шёлк** шойини бичмоқ.

КРОЙ *м* 1 бичиш; 2 *спец.* бичим, бичиқ, андаза; 3 *спец.* танавор; **~ для сапо́г** этик танавори.

КРОЙК/А *ж* бичиш; **~а пальто́** пальто бичиш; **ку́рсы ~и** и **шитья́** бичиш ва тикиш (бичувчилик ва тикувчилик) курси.

КРОКЕ́Т *м* крокет (1 шарларни тўқмоқчалар билан уриб сим дарвозачалардан ўтказиш ўйини; 2 шу ўйин тўқмоқчалари ва шарлари; 3 *уст.* шу ўйин майдончаси).

КРОКЕ́ТН/ЫЙ, -ая, -ое крокетга оид; крокет...; **~ая площа́дка** крокет майдончаси, **~ый шар** крокет шари.

КРОКИ́ *с нескл. спец.* 1 хомаки чизма; тарх; 2 хомаки план (жойнинг кўз билан чамалаб олинган плани); 3 хомаки расм.

КРОКОДИ́Л *м* тимсоҳ; **ни́льский ~** Нил тимсоҳи.

КРОКОДИ́Л/ИЙ, -ья, -ье тимсоҳга оид; тимсоҳ...; **~ья** пасть тимсоҳнинг оғзи.

КРОКОДИ́ЛОВ, -а, -о тимсоҳга оид; тимсоҳ...; **~а ко́жа** тимсоҳ териси; ✦ **~ы слёзы** ёлғон йиғи, шайтон йиғиси, мунофиқона кўз ёши.

КРОКОДИ́ЛОВ/ЫЙ, -ая, -ое тимсоҳ терисидан қилинган; тимсоҳ...; **~ая су́мка** тимсоҳ терисидан қилинган сумка, крокодил сумка.

КРО́КУС *м* 1 *бот.* заъфар; 2 крокус (темир оксиди порошоги; металл ва ойна буюмларни силлиқлаш учун ишлатилади).

www.ziyouz.com kutubxonasi

КРО́ЛИК *м* 1 кролик, уй қуёни; **англо́рский ~** ангор қуёни; **ди́кий ~** ёввойи қуён; **дома́шний ~** уй қуёни; 2 кролик, уй қуёни териси; **воротни́к из ~а** кролик ёқа.

КРОЛИКОВО́Д *м* қуёнчилик мутахассиси; қуён боқиш билан шуғулланувчи киши.

КРОЛИКОВО́ДСТВО *с* қуёнчилик, уй қуёнлари боқиш ва урчитиш.

КРОЛИКОВО́ДЧЕСК/ИЙ, -ая, -ое қуёнчиликка оид, қуёнчилик...; **~ая фе́рма** қуёнчилик фермаси.

КРОЛИ́СТ *м* крольчи (кроль услубида, қулоч отиб сузувчи спортчи).

КРОЛИ́СТКА *ж, р. мн.* **-ток** *см.* **кроли́ст.**

КРО́ЛИЧИЙ, -ья, -ье 1 уй қуёнига оид, уй қуёни...; кролик...; **~ мех** кролик мўйнаси; 2 кролик мўйнасидан (терисидан) қилинган; кролик...; **~ воротни́к** кролик ёқа.

КРОЛ/Ь *м спорт.* кроль (қулоч отиб сузиш); **пла́вать ~ем** қулоч отиб сузмоқ.

КРО́ЛЬЧАТИНА *ж* кролик гўшти.

КРОЛЬЧА́ТНИК *м* 1 қуёнхона (уй қуёнлари урчитиладиган жой, бино); 2 қуёнчилик хўжалиги; **совхо́зный ~** совхоз қуёнчилик хўжалиги.

КРОЛЬЧИ́ХА *ж* урғочи кролик.

КРОЛЬЧО́НОК *м, р.* **-нка,** *мн.* **-ча́та** кролик боласи.

КРО́МЕ *предлог с р.* 1 -дан бошқа, -дан ташқари, -дан бўлак; **~ меня́, там никого́ не бы́ло** у ерда мендан бошқа ҳеч ким йўқ эди; **Все улыбну́лись, ~ лейтена́нта** (Казакевич) Лейтенантдан бошқа ҳамма кулиб қўйди; 2 бунинг устига, шу билан бирга, -дан ташқари; **~ я́блонь, в саду́ мно́го други́х плодо́вых дере́вьев** боғда, олмалардан ташқари, бошқа мевали дарахтлар ҳам кўп; ✦ **~ как** фақат; ...дан бошқа, ҳеч...; **таки́х сорто́в виногра́да нигде́ нет, ~ как в Сре́дней Азии** узумнинг бундай навлари Ўрта Осиёдан бошқа ҳеч қаерда йўқ; **~ шу́ток** *в знач. вводн. сл. разг.* ҳазили йўқ, чиндан, ростдан, беҳазил; **~ шу́ток, он оби́делся** у чиндан ҳам хафа бўлиб қолди.

КРОМЕШН/ЫЙ, -ая, -ое: ~ый ад или **~ая му́ка** шўру ғавғо, дўзах, жаҳаннам; **~ая тьма** или **~ый мрак** қоп-қоронғи, тим қоронғи, зимистон, зим-зиё.

КРО́МКА *ж, р. мн.* **-мок** 1 чет, милк; **~ ткани** матонинг чети (милки); 2 қирра, ён, зиҳ; **~ доски́** тахтанинг чети (қирраси, зиҳи); 3 чет, қирғоқ; **~ льда** музнинг чети (қирғоғи).

КРОМСА́ТЬ *несов.* (*сов.* **искромса́ть**) *что разг.* 1 қималамоқ, бурдаламоқ, қийқимламоқ, қийқим-сийқим қилиб ташламоқ; **~ бума́гу** қоғозни қиймаламоқ; 2 *перен.* юлиб-юлқиб чўлтоқ қилмоқ, калта-култа қилмоқ; бузиб-ёрмоқ; **~ о́черк** очеркни чўлтоқ (ўлда-жўлда) қилиб қўймоқ; **~ ру́копись** қўл ёзмани чўлтоқ қилиб қўймоқ.

КРОН I *м* крон (сариқ минерал бўёқ).

КРОН II *м то же, что* **кронгла́с.**

КРО́Н/А I *ж* шох-шабба, дарахт тепасидаги шох-барг; шох-бутоқ; **раски́дистая ~а** тарвақайлаб кетган шох-шабба.

КРО́НА II *ж* крона (Европадаги баъзи мамлакатларнинг пул бирлиги); **чехослова́цкая ~** Чехословакия кронаси.

КРОНГЛА́С *м спец.* кронглас (оптик шишаларнинг махсус тури).

КРОНПРИ́НЦ *м* кронпринц (Герман империясида ва Австрия-Венгрияда: тахт вориси, валиаҳд).

КРОНЦИРКУ́ЛЬ *м* кронциркуль (1 кичкина доираларни чизадиган циркуль; 2 деталларнинг ички ва ташқи диаметрини ўлчайдиган асбоб).

КРО́НШНЕП *м* узунбурун балчиқчи, чонгулдоқ (қуш).

КРОНШТЕ́ЙН *м* кронштейн (девор ёки колонкага маҳкамланган токча, таянч).

КРОПА́ТЕЛЬ *м разг.* уқувсиз ёзувчи, ёзармон.

КРОПА́/ТЬ *несов.* (*сов.* **накропа́ть** и **скропа́ть**) *что* 1 *уст.* и *обл.* тикмоқ; ямаб-ясқамоқ; 2 *перен. разг. ирон.* ёзармонлик қилмоқ, бўлар-бўлмас (пўноқ) асарлар ёзмоқ; ёзиб ташламоқ.

КРОПИ́ЛО *с* кропило (черковда турли маросимларда муқаддас сув сепиладиган чўтка).

КРОПИ́ЛЬНИЦА *с* 1 черковда муқаддас сув солинадиган идиш; 2 *разг. то же, что* **кропи́ло.**

КРОПИ́Т/Ь, -плю́, -пи́шь *несов.* 1 (*сов.* **окропи́ть**) *кого-что* сепмоқ, пуркамоқ, сачратмоқ; **~ь водо́й** сув пуркамоқ, сув сепмоқ; 2 томчиламоқ, томчилаб ёғмоқ; **с утра́ ~ дождь** эрталабдан ёмғир томчилаб турипти.

КРОПОТЛИ́ВО *нареч.* синчиклаб, диққат билан, қунт билан, қунт (ҳафсала) қилиб; **~ рабо́тать** диққат (қунт) билан ишламоқ.

КРОПОТЛИ́ВОСТЬ *ж* 1 пухталик, синчиклаб бажариш, диққат билан ишлаш; 2 тиришиш, ғайрат қилиш, қунт, ҳафсала.

КРОПОТЛИ́В/ЫЙ, -ая, -ое 1 синчковлик (диққат, қунт) талаб қиладиган, сердиққат, майда; **~ая рабо́та** сердиққат иш; майда иш; 2 синчков, қунтли, серҳафсала, тиришқоқ, синчиклаб ишлайдиган, майда-чуйдасини ҳам қолдирмайдиган; **~ый учени́к** синчков ўқувчи.

КРОСС *м* кросс (паст-баланд, йўлсиз жойда ўтказиладиган пойга, чопиш, югуриш мусобақаси); **лы́жный ~** чанғи кросси; **мотоцикле́тный ~** мотоцикл кросси.

КРОССВО́РД *м* кроссворд (топишмоқнинг бир тури: катакларни ҳарфлар билан тўлдириб, яширилган сўзларни топиш).

КРОТ *м* крот (1 ер остида яшайдиган бир турли сутэмизувчи ҳайвон; 2 шу ҳайвоннинг мўйнаси, териси).

КРОТКИЙ, -ая, -ое, -ток, -тка́, -тко ювош, беозор, мўмин-қобил, ройиш, мулойим, юмшоқ; **~ хара́ктер** мулойим табиат, ювош характер; **~ челове́к** ювош одам.

КРОТО́ВЫЙ, -ая, -ое 1 кротга оид; крот...; **~ мех** крот мўйнаси; 2 крот мўйнасидан қилинган; крот...; **~ жаке́т** крот мўйнасидан қилинган жакет; крот жакет.

КРО́ТОСТЬ *ж* ювошлик, беозорлик, мўминлик, ройишлик, юмшоқлик; **~ хара́ктера** характернинг юмшоқлиги.

КРО́ХА *м* и *ж разг.* мурғак бола, увоққина бола, гўдак.

КРОХ/А *ж* 1 *то же, что* **кро́шка** 1; **~и с чужо́го стола́** *перен.* бировларнинг сарқитлари; 2 *мн.* **кро́хи** жуда оз, қиттак (зиғирдак) нарса; зарра, учқун; **кро́хи зна́ний** билим зарраси; **ему́ доста́лись то́лько кро́хи** унга жуда оз (қиттаккина) тегди; **пита́ться кро́хами чужи́х мы́слей** ўзгалар фикрининг учқунидан фойда олмоқ.

КРОХОБО́Р *м* 1 хасис одам, зиқна, пасткаш; 2 майдакаш, бачкана.

КРОХОБО́РСТВО *с* 1 хасислик, зиқналик, пасткашлик; 2 майдакашлик, бачканалик.

КРОХОБО́РСТВОВАТЬ *несов.* 1 хасислик (зиқналик) қилмоқ, пасткашлик қилмоқ; 2 майдакашлик қилмоқ (майда-чуйдаларга берилиб, асосий нарсани унутмоқ).

КРОХОБО́РЧЕСКИЙ, -ая, -ое майдакаш одамларга хос бўлган; **~ подхо́д к рабо́те** ишга майдакашлик билан ёндашиш (майда-чуйдаларга берилиб, ишнинг асосий томонини унутиш).

КРОХОТК/А, *р. мн.* **-ток** *разг.* 1 *ж* озгина миқдор, жиндаккина (зиғирдай, қиттак) нарса, заррача; **~а муки́** зиғирдай ун, бир ҳовуч ун; 2 *м* и *ж* кичкинагина (увоқдай) нарса; пастак (бир қарич, паканагина) одам ва ҳ. к.; **ви́шня-~а** паканагина (пастаккина) олча, бир қарич олча; **он совсе́м ~а** у жуда кичкина (увоқдаккина); 3 *в знач. нареч.* **~у** зиғирдай, жиндай, озгина, **отдохну́ть ~у** жиндай дам олмоқ.

КРОХОТН/ЫЙ, -ая, -ое; -тен, -тна жуда кичкина, кичкинагина, увоққина, муштдай, зиғирдай, бир бурдагина, жажжи, жимитдак; **~ый ребёнок** муштдай (зиғирдай) бола; жажжигина бола; **~ая ку́колка** кичкинагина қўғирчоқ.

КРОШЕН/ЫЙ, -ая, -ое майдаланган, бурдаланган, ушатилган, тўғралган, уваланган, майда, увоқ; **~ый таба́к** майдаланган тамаки, майда тамаки; **~ое мя́со** тўғралган (тўғрамча) гўшт.

КРО́ШЕЧК/А *ж, р. мн.* **-чек** 1 *уменьш. от* **кро́шка** 1, 5; 2 *в знач. нареч.* **~у** *разг.* озгина, жиндаккина, қиттак, зиғирдай.

КРО́ШЕЧНЫЙ, -ая, -ое *то же, что* **кро́хотный.**

КРОШИ́ТЬ, -ошу́, -о́шишь *несов.* 1 (*сов.* **искроши́ть, раскроши́ть** и **накроши́ть**) *что* майдаламоқ, бурдаламоқ, ушатмоқ, уватмоқ; увоқламоқ; **~ ко́мья гли́ны** кесакни

www.ziyouz.com kutubxonasi

майдаламоқ; ~ **хлеб** ку́рам товуқларга нон увоқлаб бермоқ; 2 (*сов.* **накроши́ть**) *что* тўғрамоқ; ~ **капу́сту** карам тўғрамоқ; 3 (*сов.* **искроши́ть и раскроши́ть**) *что прост.* синдирмоқ, парчаламоқ, майда-майда (чилпарчин) қилмоқ, кул-кул (чилпарчин) қилмоқ; ~ **посу́ду** идишни синдирмоқ; 4 *перен.* (*сов.* **искроши́ть**) *кого* қирмоқ, тор-мор қилмоқ; ~ **войска́ проти́вника** душман қўшинларини қирмоқ (тор-мор қилмоқ); 4 *чем* увоқ-ушоқ тўкиб ивирситмоқ, ушоқ тўкмоқ; ~ **на́ пол** полни увоқ-ушоқ тўкиб ивирситмоқ.

КРОШИ́Т/ЬСЯ, **кро́шится** *несов.* (*сов.* **искроши́ться** и **раскроши́ться**) 1 майдаланмоқ, уваланмоқ, ушалмоқ; синмоқ; **зуб ~ся** тиш уваланиб кетяпти (тушяпти); **тростнико́вый са́хар легко́ ~ся** шакарқамиш қанди осон майдаланади; 2 *страд. от* **кроши́ть** 1.

КРО́ШК/А *р. мн.* **-шек** 1 *ж* увоқ, ушоқ, бурда; ~**и хле́ба** нонниг увоқлари (ушоқлари); 2 *собир.* майдаланган нарса, майда, увоқ; **мра́морная ~а** мармар майдаси (увоғи); 3 *перен.* озгина миқдор, зарра; 4 *в знач. нареч.* **~у** зиғирдай, жиндай, қиттак, оз-моз, сал-пал, салгина; **поду́майте хоть ~у** қиттак ўйлаб кўринг; 5 *м* и *ж разг.* кичкинагина (увоқдай) нарса; пастак (бир қарич) одам ва ҳ. к.; **~а-доми́шко** пастаккина уй, кичкинагина уй; **ми́лый ~а** кичкинтойим, жонгинам; ✦ **ни ~и** ҳеч, мутлақо, сира, асло, заррача ҳам; **я ни ~и не устал** мен ҳеч (заррача ҳам) чарчаганим йўқ.

КРУГ *м, предл.* **о кру́ге, в кру́ге и в кругу́**, *мн.* **-и́** 1 *мат.* доира; айлана; **диа́метр ~а** доиранинг диаметри; **начерти́ть ~** доира чизмоқ, айлана чизмоқ; 2 тўғарак ер, майдон; 3 айланма йўл; айланиш; **идти́ по ~у** айланма йўлдан бормоқ; 4 юмур; юмалоқ (ёки ҳалқа шаклидаги) нарса, ўрам, чамбарак; калла; ~ **колба́сы** бир ўрам колбаса; колбаса ўрами; ~ **сы́ра** бир калла сир; **спаса́тельный ~** қутқариш чамбараги; 5 давра, қур; **образова́ть ~** давра ҳосил қилмоқ, давра қурмоқ, давра олиб (қур бўлиб) ўтирмоқ; **ста́ньте в ~** давра бўлиб туринглар; **велосипеди́сты прошли́ не́сколько ~о́в** велосипедчилар бир неча даврани ўтишди; 6 такрорланувчи воқеалар (ҳодисалар) давраси; **установи́вшийся ~ жи́зни** бир зайилда такрорланиб турадиган ҳаёт икир-чикирлари; 7 бир қатор; ~ **тем** бир қатор мавзу; 8 соҳа, доира; ~ **зна́ний** билим доираси; ~ **обя́занностей** вазифалар доираси; **широ́кий ~ интере́сов** кенг доирадаги қизиқиш; 9 *перен. кого* и *какой* ора, ўрта, муҳит; **в семе́йном ~у́** оила аъзолари орасида (ўртасида); **оила** аъзолари (бола-чақалар) билан; 10 *мн.* **~и́** *перен. кого* и *какие* доира(лар); **вое́нные ~и́** ҳарбий доиралар; **полити́ческие ~и́** сиёсий доиралар; **в прави́тельственных ~а́х** ҳукумат доираларида; ✦ **на ~** ўртача, ўрта ҳисоб билан; киши бошига, тахминан; **~и́ под глаза́ми** кўз остидаги халтачалар (кўз тагининг кўкариб туриши); **~и́ пе́ред глаза́ми** (плыву́т, мельте́шат и т. п.) кўз ўнги жимирлашиб кетяпти; кўз тиниб кетяпти; **голова́ пошла́ (идёт) ~ом** *у кого* 1) бош айланяпти, бош айланиб кетяпти; 2) боши гангиб қолди, довдираб қолди, ўзини йўқотиб қўйди; **сде́лать** (или **дать**) ~айланиб юрмоқ (ёки учмоқ); узоқ йўлдан айланиб ўтмоқ; **спи́ться с ~у** *прост.* ичкиликдан тамом бўлмоқ, ичаверіб одамгарчиликдан чиқмоқ.

КРУГЛЕ́НЬК/ИЙ, **-ая**, **-ое** *уменьш. от* **кру́глый** юмалоққина, юм-юмалоқ; ✦ **~ая су́мма** *то же, что* **кру́глая су́мма** *см.* **кру́глый.**

КРУГЛЕ́ТЬ *несов. разг.* юмалоқлашмоқ, юмалоқланмоқ; тўлишмоқ, семирмоқ; **глаза́ ста́ли ~ от удивле́ния** ҳайрон бўлиб, кўзлари чақчайди.

КРУГЛОГОДИ́ЧНЫЙ, **-ая**, **-ое** йил бўйи давом этадиган; йиллик; ~ **лов ры́бы** йил бўйи балиқ овлаш.

КРУГЛОГОЛО́ВЫЙ, **-ая**, **-ое** боши юмалоқ, юмалоқбош.

КРУГЛОГУБЦЫ *мн.* юмалоқ жағли омбир.

КРУГЛОЛИ́ЦЫЙ, **-ая**, **-ое** тўла юзли, кулчаюз; ~ **челове́к** кулчаюз одам.

КРУГЛОСУТО́ЧН/ЫЙ, **-ая**, **-ое** кеча-кундуз давом этадиган, кечаю кундуз тўхтамайдиган, тун-кун ишлайдиган, **суткалик**; **~ый приём больны́х** касалларни кечаю кундуз **қабул қилиш**; касалларнинг кеча-кундуз қабул қилиниши; **~ое дежу́рство** суткалик дежурлик; кеча-кундуз навбатчилик (дежурлик) қилиш, тун-кун дежур туриш.

КРУГЛОЩЁКИЙ, **-ая**, **-ое** тўла (лўппи) юзли.

КРУ́ГЛ/ЫЙ, **-ая**, **-ое** 1 юмалоқ, думалоқ, тўғарак, юмур; ғўла; **~ый стол** юмалоқ (тўғарак) стол; **~ая луна́** тўлин ой; 2 тўла, семиз, тўлишган, тўладан келган; **~ое лицо́** юмалоқ (тўла) юз, кулчаюз; 3 бутун; **~ый год** (бутун) йил, йил бўйи, ёзин-қишин, ёз-қиш; **~ые су́тки** кеча-кундуз, кечаю кундуз, тун-кун; 4 ўтакетган, уччига чиққан, бориб турган; ғирт, қип-қизил; **~ый дура́к (или идио́т)** ғирт аҳмоқ, қип-қизил аҳмоқ; **~ый неве́жда** ғирт нодон, ғирт жоҳил; ✦ **~ый отли́чник**; **~ая отли́чница** аълочи (ўқувчи); **~ая** (или **~ый**) **сирота́** чин етим, қип-қизил етим (отаси ҳам, онаси ҳам йўқ етим); **~ые ско́бки** кичик қавс; **~ая су́мма** катта пул, талайгина пул, анча пул; **~ое состоя́ние** катта бойлик; **~ый счёт**; **~ые ци́фры** яхлит ҳисоб; яхлит рақамлар; **~ым счётом** яхлит ҳисоб билан, яхлитлаб ҳисоблаганда; тахминан; **за ~ым столо́м** тўғарак стол атрофида (тенг ҳуқуқлиларнинг учрашуви, кенгаши); **де́лать ~ые глаза́** ҳайрон бўлиб кўз чақчайтирмоқ; **учи́ться на ~ые пятёрки** аъло ўқимоқ, фақат беш баҳо олиб ўқимоқ.

КРУГЛЯ́К *м, р.* **-а́** 1 ғўла, ҳода; 2 юмалоқ тош.

КРУГОВ/О́Й, **-а́я**, **-о́е** айланма айлана, доиравий; айлана (ҳалқа) шаклидаги; **~о́е движе́ние** айланма ҳаракат; **~о́е движе́ние руки́** қўлни айлантириб ҳаракат қилдириш; қўлни айлантириш; ✦ **~а́я доро́га** айланма йўл, айланиб юриладиган йўл, **~а́я оборо́на** айлана мудофаа; **~а́я поруча́** 1) ҳамманинг бир-бирига кафиллиги; 2) бир-бирининг сирини яшириш, бир-бирини қўллаш.

КРУГОВОРО́Т *м* 1 айланиш, айланиб юриш, айланиб туриш, айланиб келиш; ~ **воды́ в приро́де** табиатда сувнинг айланишлари; 2 узлуксиз алмашиниш, тўхтовсиз ҳаракат, ҳамиша ўзгариб (алмашиниб) туриш; ~ **собы́тий** воқеаларнинг ўзгариб туриши.

КРУГОЗО́Р *м* 1 уфқ, кўз илғайдиган теварак, атроф; 2 *перен.* савия, онг-билим даражаси; **полити́ческий ~** сиёсий савия, сиёсий билим даражаси; **у́зкий ~** тор савия; **широ́кий ~** кенг савия.

КРУГО́М 1 *нареч.* айланиб, атрофлаб; **обойти́ сад ~** боғни атрофлаб айланиб чиқмоқ (ўтмоқ); 2 *нареч.* теварак-атроф, гир атроф, теварак-атрофга, ён-атрофга; теварак-атрофда; ~ **раски́нулась степь** теварак-атроф дашт, гир атроф чўл; ~ **мно́го наро́ду** гир атроф халқ, ҳамма ёқда одам, қаёққа қараманг одам; **посмотре́ть ~** ҳамма ёқни (ёққа) қарамоқ, теварак атрофни кўздан кечирмоқ; **поверну́ться ~** орқага айланмоқ; 3 *нареч. разг.* тўла, бутунлай, ҳар томонлама; **он ~ винова́т** у ҳар томонлама айбдор; 4 *предлог с р. разг.* атрофида, айланасида; ~ **бесе́дки ви́лся виногра́д** шийпон атрофида ток ўралиб чиққан эди; ✦ **~!** «орқага айлан» маъносидаги команда.

КРУГООБОРО́Т *м* айланиш, давра; ~ **капита́ла** капиталнинг айланиши; ~ **произво́дства** ишлаб чиқариш давраси (ишлаб чиқаришда хом ашё тайёр маҳсулот бўлиб чиққунча ўтиладиган ҳар бир давр).

КРУГООБРА́ЗН/ЫЙ, **-ая**, **-ое**; **-зен**, **-зна** доирасимон, доирага (айланага) ўхшаган; **~ое движе́ние** айланма ҳаракатга ўхшаш ҳаракат.

КРУГОСВЕ́ТКА *ж, р. мн.* **-ток** *разг. то же, что* **кругосве́тное путеше́ствие** *см.* **кругосве́тный.**

КРУГОСВЕ́ТН/ЫЙ, **-ая**, **-ое** дунё бўйлаб (ер шари атрофида) бўлган; **~ое путеше́ствие** дунё бўйлаб саёҳат, ер шари атрофини айланиб саёҳат қилиш.

КРУЖА́ЛО *с* 1 гумбаз қолипи (гумбаз қуриш учун қилинган ёй шаклидаги қолип); 2 *спец.* чарх (кулолчиликда); 3 *уст.* майхона, қовоққхона.

КРУЖЕВА *мн.* (*ед.* **кру́жево** *с*) 1 кружева, тўр; **шёлковые ~** ипак кружева, ипак тўр; **плести́ ~** кружева (тўр) тўқимоқ; 2 *перен.* жимжимадор нарса; жимжима, кунгира; **~ деревя́нной резьбы́** ёғочга ишланган ўйма нақш жимжималари.

КРУЖЕВНИ́ЦА *ж* кружева (тўр) тўқувчи аёл.

КРУЖЕВН/О́Й, **-а́я**, **-о́е** 1 кружевага оид; кружева...; **~а́я мастерска́я** кружева (тўр) тўқиш устахонаси; 2 кружева (тўр) тутилган; кружевадан қилинган, кружевали; **~о́й воротни́к** кружева ёқа; **кружева (тўр) тутилган ёқа;**

www.ziyouz.com kutubxonasi

3 *перен.* жимжимадор, **кунгирали, тўрсимон**, панжарасимон, қўнғироқ-қўнғироқ; **~а́я листва́** қўнғироқ-қўнғироқ барглар.

КРУЖИ́/ТЬ, кружу́, кру́жишь и **кружи́шь** *несов.* 1 *кого-что* айлантирмоқ, айланма (ёки уюрма) ҳаракатга келтирмоқ; чирпиратмоқ; **ве́тер ~т ли́стья** шамол барглarни айлантириб (чирпиратиб) учириб юрипти; **~ть в ва́льсе** *кого* кимсани вальсда (вальсга тушиб) гир-гир айлантирмоқ; 2 (гир-гир) айланмоқ, айланиб учиб юрмоқ, парвоз қилмоқ; **в не́бе ~т самолёт** осмонда самолёт айланиб учиб юрипти; 3 адашмоқ, адашиб (айланиб) юрмоқ; **мы до́лго ~ли по́ лесу** биз ўрмонда кўп вақт адашиб юрдик; 4 бўраламоқ; кўтарилмоқ, қўзғалмоқ, турмоқ, (шамол, уюрма, бўрон ва ш. к. ҳақида); бурқираб кўтарилмоқ, уюрмаланмоқ; **за окно́м ~т вью́га** ташқарида қор бўралаяпти; ташқарида изғирин қутирмоқда; ✦ **~ть го́лову** 1) бошни айлантирмоқ, гангитмоқ; 2) аврамоқ, йўлдан урмоқ, бошини айлантириб (эсини олиб) қўймоқ.

КРУЖИ́ТЬСЯ, кружу́сь, кру́жишься и **кружи́шься** *несов.* 1 айланмоқ, айланиб юрмоқ; айланиб учмоқ, гир-гир айланмоқ; **~ в ва́льсе** вальсда (гир-гир) айланмоқ, гир-гир айланиб вальс тушмоқ; **я́стреб кру́жится над цыпля́тами** қирғий жўжалар тепасида гир айланмоқда; 2 беҳуда югурмоқ, овора бўлмоқ, уринмоқ, у ёқдан бу ёққа бориб-келмоқ, югуриб-елмоқ, изғимоқ; **~ по ко́мнате в по́исках кни́ги** китоб қидириб хонада у ёқдан бу ёққа бориб-келмоқ; 3 *перен. разг.* гир айланмоқ, парвона (гирдикапалак) бўлмоқ, ўралашмоқ, айланишмоқ, нари кетмаслик; **он не перестаёт ~ во́зле меня́** у атрофимда гир айланади, у мендан нари кетмайди; 4 айланиб учиб юрмоқ, парвоз қилмоқ, пирпираб турмоқ; бурқираб кўтарилмоқ, уюрмаланмоқ; **за окно́м кружи́лись хло́пья сне́га** дераза ортида йирик (лайлак) қор пирпираб учар эди; 5 адашмоқ, айланиб юрмоқ; **~ по́ лесу** ўрмонда адашиб юрмоқ; ✦ **голова́ кру́жится** 1) бош айланмоқда (айланяпти); 2) бош гангиб кетди, бош айланиб қолди, мия қотди.

КРУЖКА *ж, р. мн.* **-жек** 1 кружка; **фарфо́ровая ~** чинни кружка; **пивна́я ~** пиво кружка (си); **~ пи́ва** бир кружка пиво; 2 июна қутичаси (ёрдам пули йиғиладиган қути).

КРУЖКО́ВЕЦ *м, р.* **-вца** тўгарак (кружок) аъзоси.

КРУЖКО́В/ОЙ, -а́я, -о́е тўгаракка (кружокка) оид; кружок...; тўгарак...; **~ые заня́тия** тўгарак машғулотлари.

КРУЖКО́ВЩИНА *ж неодобр.* тўгаракчилик, тўгарак-бозлик.

КРУ́ЖНЫ/Й, -ая, -ое *разг.:* **~й путь** айланма йўл; **из-за разли́ва реки́ е́хать пришло́сь ~м путём** дарё тошиб кетганидан айланма йўл билан ўтишга тўғри келди.

КРУЖО́К *м, р.* **-жка́** 1 *уменьш. от* **круг** 2—5; **нарисова́ть ~** кичкина доира (айлана) чизмоқ; **де́ти вста́ли в ~** болалар доира қуришди; 3 *какой* тўгарак, кружок; **ма́ркси́стские рабо́чие кружки́** ишчиларнинг марксистик тўгараклари; **драмати́ческий ~** драма тўгараги; **литерату́рный ~** адабиёт тўгараги; ✦ **в ~** (стричь, стри́чься и т. п.) (сочни) чамбарак қилиб олдирмоқ, чамбарак соч қўймоқ.

КРУЗЕ́ЙРО *с нескл.* крузейро (Бразилия пул бирлиги).

КРУИ́З *м* круиз, денгиз саёҳати; **соверши́ть ~ вокру́г Евро́пы** Европа атрофида денгиз саёҳати қилмоқ.

КРУИ́ЗНЫЙ, -ая, -ое круизга, денгиз саёҳатига оид; круиз...; **~ рейс** круиз рейси.

КРУП I *м* сағри, от сағриси.

КРУП II *м мед.* круп (томоқ яллиғланиши ва унинг натижасида нафас сиқилиши); ✦ **ло́жный ~** ларингит касаллигининг формаси.

КРУПА́ *ж* 1 ёрма, крупа; **ма́нная ~** манний крупа; **гре́чневая ~** гречиха крупаси (ёрмаси); оқланган гречиха; 2 тугмача қор, булдуруқ.

КРУПЕ́НИК *м, р.* **-а́** крупеник (тухум ва творог қўшилган ёғли каша).

КРУПИ́НК/А *ж, р. мн.* **-нок** 1 бир дона ёрма (крупа); оқланган биттагина дон; 2 зарра, заррача, дона; **~и песка́** қум зарралари, қум доналари; ✦ **ни ~и** зарра (заррача) ҳам йўқ, сира.

КРУПИ́ТЧАТ/ЫЙ, -ая, -ое 1 майда донали, майда донадор, дона-дона, қумоқ-қумоқ; 2 майда тортилган; **~ая мука́** майда тортилган ун; 3 **крупчаткадан (майда тортилган ундан) қилинган; ~ая бу́лка** крупчаткадан (майда тортилган ундан) пиширилган булка; 4 *перен. разг. уст.* бўлиқ, миқти.

КРУПИ́Ц/А *ж прост.* 1 *то же, что* **крупи́нка** 1; 2 *то же, что* **крупи́нка** 2; 3 *перен.* жуда оз миқдордаги нарса, зиғирдай нарса, асар, нишон; **в э́том нет и ~ы здра́вого смы́сла** бунда соғлом ақлдан зарра ҳам йўқ, бунда соғлом ақлдан нишон ҳам кўринмайди.

КРУ́ПКА *ж* 1 *ласк. от* **крупа́**; 2 буғдой оқшоғи.

КРУПНЕ́ТЬ *несов.* (*сов.* **покрупне́ть**) *разг.* йириклашмоқ, катталашмоқ.

КРУ́ПНО *нареч.* 1 катта-катта қилиб; **йирик-йирик, катта-катта, яхлит-яхлит; ~ наре́зать лук** пиёзни йирик (катта-катта қилиб) тўғрамоқ; **писа́ть ~** катта-катта қилиб ёзмоқ; 2 *перен.* жиддий, ростакамига, қаттиқ; **поговори́ть *с кем-л.* ~** кимса билан жиддий (қаттиқ) гаплашмоқ.

КРУ́ПНОБЛО́ЧН/ЫЙ, -ая, -ое йирик блокли, йирик блоклардан қилинган; **~ое строи́тельство** йирик блокли қурилиш; **~ый дом** йирик блокли (йирик блоклардан қурилган) уй.

КРУ́ПНОГАБАРИ́ТНЫЙ, -ая, -ое йирик (катта) габаритли; **~ груз** йирик габаритли юк.

КРУ́ПНОЗЕРНИ́СТЫЙ, -ая, -ое йирик донали, доналари йирик (йирик-йирик); **~ чугу́н** йирик донали чўян; **~ песо́к** йирик қум.

КРУ́ПНОКАЛИБЕРН/ЫЙ, -ая, -ое катта калибрли (тўп, милтиқ ва ҳоказо); **~ое ору́дие** катта калибрли қурол (тўп).

КРУ́ПНОМАСШТА́БНЫЙ, -ая, -ое йирик масштабли; катта кўламдаги, кўлами катта.

КРУ́ПНОПАНЕ́ЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое йирик панелли; йирик (яхлит) панеллардан қурилган; **~ое зда́ние** йирик панелли иморат, йирик панеллардан қурилган уй.

КРУ́ПНОПЛО́ДН/ЫЙ, -ая, -ое йирик мевали, меваси йирик; **~ая чере́шня** меваси йирик гилос.

КРУ́ПН/ЫЙ, -ая, -ое; -пен, -пна́, -пно 1 йирик, катта, яхлит; **~ый же́мчуг** йирик марварид; **~ый песо́к** йирик қум; **~ые ка́пли дожде́й** катта-катта ёмғир томчилари; **~ый снег** йирик қор, лайлак қор; 2 бўйчан, бўйдор, дуркун, гавдали, норғил, бўлали; **~ый ребёнок** бўлали бола; дуркун бола; 3 кўп, кўп сонли, катта; **~ый отря́д** катта отряд; 4 кенг, катта (қадам, одим ҳақида); **идти́ ~ым ша́гом** катта-катта қадам ташлаб бормоқ; 5 кенг кўламдаги, кўлами кенг, катта, йирик; **~ый совхо́з** катта (йирик) совхоз; **~ое предприя́тие** катта (йирик) корхона; **~ая индустри́я** йирик индустрия; 6 эътиборли, нуфузли; зўр, улкан, катта; **~ый тала́нт** зўр истеъдод; **~ый учёный** катта олим; 7 муҳим, жиддий, йирик, катта, улкан; **~ые достиже́ния** катта (улкан) ютуқлар; **доби́ться ~ого успе́ха** катта муваффақиятга эришмоқ; ✦ **~ые де́ньги** йирик пул, яхлит пул; **~ая дрожь** қаттиқ титраш; қалт-қалт титраш; **~ый разгово́р** жиддий гап, қаттиқ танбеҳ; **~ый рога́тый скот** йирик қорамол; **~ая су́мма** катта пул, кўп пул; **съёмка ~ым пла́ном** катта қилиб (яқиндан) суратга олиш.

КРУПОЗН/ЫЙ, -ая, -ое *прил. от* **круп** II; **~ое воспале́ние лёгких** ўпканинг зардоб йиғиб яллиғланиши.

КРУПОРУ́ШКА *ж, р. мн.* **-шек** 1 жувоз (дон оқлайдиган, ёрма тортадиган машина); 2 жувозхона.

КРУПЧА́ТК/А *ж* крупчатка (майда тортилган аъло нав оқ ун); **хлеб из ~и** крупчаткадан ёпилган нон.

КРУПЧА́ТЫЙ, -ая, -ое 1 донадор, дона-дона, қумоқ-қумоқ; **~ мёд** қумоқ-қумоқ асал; 2 *то же, что* **крупи́тчатый** 2; **~ помо́л** майда тортилган (ун).

КРУПЬЁ *м нескл.* қиморхона эгаси ёки хизматчиси; қиморга пул қўйган (тиккан) киши.

КРУПЯН/О́Й, -а́я, -о́е 1 крупага, ёрмага оид; крупадан (ёрмадан) тайёрланган; крупа...; ёрма...; **~о́е произво́дство** крупа (ёрма) ишлаб чиқариш; **~о́й суп** ёрма (крупа) солинган шўрва (суюқ ош); 2 донидан ёрма тайёрланадиган, крупабоп; **~ые культу́ры** крупабоп экинлар.

КРУТИЗН/А *ж* 1 тиклик, тикқалик; **~а́ подъёма** кўтарилиш жойининг (ўрнинг) тиклиги; **~а́ берего́в** қирғоқларнинг тиклиги; 2 тик жой, тик қиялик, жарлик; ўр;

www.ziyouz.com kutubxonasi

идти́ по са́мой ~е́ тик жарликдан юрмоқ, тик ўрдан чиқмоқ (ёки тушмоқ).

КРУТИ́ЛЬНЫЙ, -ая, -ое чийратадиган, эшадиган, пишитиладиган; пишитиш...; чийратиш...; **~ стано́к** чийратиш станоги.

КРУТИ́ТЬ, кручу́, кру́тишь *чесов.* 1 *что* айлантирмоқ, бурамоқ; **~ ру́чку мясору́бки** мясорубка дастасини бурамоқ; **~ усы́** мўйловини бурамоқ; 2 *чем* у ёқ-бу ёққа айлантирмоқ, бурмоқ; **~ голово́й** бошни у ёқ-бу ёққа бурмоқ; сарак-сарак қилмоқ; 3 *что* чийратмоқ, эшмоқ, пишитмоқ, товламоқ, ўрамоқ; **~ верёвки** арқон эшмоқ; **~ папиро́су** папирос ўрамоқ; 4 *что* и *без доп.* тўзғитмоқ, кўтармоқ, уюрмалантирмоқ, айлантириб олиб чиқиб кетмоқ; кўтарилмоқ, бўлмоқ; **ве́тер крути́л пыль** шамол чанг кўтармоқда (тўзғитмоқда) эди; **мете́ль кру́тит уже́ второ́й день** икки кундан бери изғирин бўляпти; 5 *перен. кем разг.* айлантирмоқ, ўйнатмоқ, ҳар охангга солмоқ; хўжайинлик қилмоқ; **в до́ме все́ми кру́тит она́** уйда ҳаммага (ҳамма ишга) у хўжайинлик қилади; 6 *прост.* гапни айлантирмоқ, чалғитмоқ; жавобдан қочмоқ; **ну что ты кру́тишь? Отвеча́й: да и́ли нет!** нега гапни айлантирасан? Ё ҳа де, ёки йўқ де!; 7 *с кем прост* ошиқ-маъшуқ бўлиб юрмоқ, бирга юрмоқ, дон олишмоқ, **он давно́ с ней кру́тит** у анчадан бери бу қиз (аёл) билан юради, ✦ **~ го́лову** *кому* бошини айлантирмоқ, йўлдан урмоқ; **~ ру́ки** *кому* қўлини қайирмоқ; қўлини орқага қилиб боғламоқ; **~ любо́вь (или рома́н)** *с кем прост.* биров билан юрмоқ, ўйнашлик қилмоқ; **~ но́сом** бўйин товламоқ, рад қилмоқ, бош тортмоқ, ўжарлик қилмоқ; **как (там) ни кути́** *прост.* нима қилганингда ҳам, нима қилмагин; минг қилсанг ҳам, юз қилсанг ҳам, на илож.

КРУТИ́/ТЬСЯ, кручу́сь, кру́тишься *несов.* 1 буралмоқ, айланмоқ; 2 уюрмаланмоқ, тўзғимоқ, пир-пир айланмоқ, айланиб учиб юрмоқ, кўтарилмоқ; 3 *перен. разг.* ўралашмоқ, бирор жойда (ёки атрофида) айланмоқ (айланишмоқ); **ребёнок ~лся во́зле отца́** бола отаси атрофида ўралашиб юрарди; 4 *прост.* гапни айлантирмоқ, жавобдан ўзини четга олмоқ, жавобдан қочмоқ; **как он ни ~лся, пришло́сь сказа́ть правду** у гапни ҳар қанча айлантирмасин, барибир ростини айтишга мажбур бўлди; 5 *прост.* югуриб-елмоқ, уринмоқ, ҳаракат қилмоқ; **~ться по хозя́йству** хўжалик иши билан югуриб-елмоқ; 6 *страд. от* **кути́ть** 1—3; ✦ **как (там) ни ~сь** *прост. то же, что* **как (там) ни кути́**; *см.* **кути́ть.**

КРУ́ТКА *ж спец. по гл.* **кути́ть** 3; **туга́я ~** пишиқ қилиб эшиш.

КРУТО́ *нареч.* 1 тик, тиккасига, тикка; **обры́в шёл ~ вниз** жарлик тиккасига тушган эди; 2 бирдан, бирданига, қаттиқ, кескин; **конь ~ останови́лся** от бирдан(ига) тўхтади; **~ поверну́ть** бирдан бурилмоқ, қаттиқ (кескин) бурилмоқ; 3 танғиб, қаттиқ, зич; **~ свернýть** танғиб ўрамоқ, маҳкам ўрамоқ; 4 қуюқ қилиб, ўткир қилиб; қаттиқ; бийрон; **посоли́ть ~** шўр (ўткир) қилиб тузламоқ, тузини ўткир қилиб юбормоқ; **~ замеси́ть те́сто** хамирни қаттиқ қормоқ; **~ свари́ть ка́шу** кашани қуюқ қилиб пиширмоқ; 5 *перен.* қатъий, қаттиқ, кескин суратда, шартта; **~ распра́виться** *с кем-л.* шартта чорасини кўрмоқ, шартта жазосини бермоқ; **поговори́ть** *с кем-л.* **~** биров билан қатъий (жиддий) гаплашиб олмоқ; ✦ **~ прихо́дится** *кому* жуда оғир (қийин) бўлди.

КРУТОБО́КИЙ, -ая, -ое ёнлари тик, томонлари тик бўлган (кўтарилган).

КРУТ/О́Й, -а́я, -о́е; кру́че 1 тик, тикка; тушган, тикка кўтарилган; **~о́й спуск** тик тушиб борадиган қия йўл (қиялик); **~о́й подъём** тикка кўтарилиб борадиган қия йўл (қиялик); 2 тик, адил; **~а́я ше́я** тик (адил) бўйин; 3 тик, кескин; **~о́й поворо́т** тик (кескин) бурилиш; тик (кескин) бурилган жой; 4 *перен.* кескин, бирдан рўй берган, қатъий; **~о́й перело́м** кескин ўзгариш (бурилиш); 5 қаттиққўл, бир сўзли, чўрткесар; **~о́й челове́к** қаттиққўл одам; чўрткесар (бир сўзли) одам; **~о́й нрав** қайсар табиат, бир сўзли; 6 кескин, қатъий, қаттиқ; **~ые ме́ры** кескин чоралар; 7 *перен.* қаттиқ, шиддатли; **~о́й моро́з** қаттиқ совуқ, қаҳратон; **~о́й ве́тер** қаттиқ (шиддатли) шамол; 8 зич, тиғиз, қаттиқ; **~о́е те́сто** қаттиқ хамир; **~о́е я́йцо** қаттиқ пиширилган тухум; ✦ **~о́й кипято́к** қайнаб турган сув, қайноқ сув.

КРУТОЛО́БЫЙ, -ая, -ое пешанаси дўнг, дўнгпешана.

КРУТОЯ́Р *м обл.* тик жарлик, тикка тушган жарлик.

КРУЧ/А *ж* тик жарлик, тик қиялик; **спуска́ться по са́мой ~е** тик жарликдан пастга тушмоқ.

КРУ́ЧЕ *см.* **круто́й.**

КРУЧЕ́НИЕ *с по гл.* **кути́ть** 1—3 и **кути́ться** 1, 2; **~ арка́на** арқон эшиш.

КРУЧЁН/ЫЙ, -ая, -ое эшилган, товланган, пишитилган, пишиқ, чийратма; **~ая пря́жа** пишитилган (эшилган) калава ип; **~ая нить** пишиқ (чийратма) ип; ✦ **~ый мяч** *спорт.* бураб (чирпирак қилиб) берилган копток; **~ый уда́р** *спорт.* (коптокни) бураб-бураб (чирпирак қилиб) бераднган зарба.

КРУЧИ́НА *ж нар.-поэт.* ғам-ғусса, қайғу-алам, хафагарчилик, ҳасрат.

КРУЧИ́НИТЬСЯ *несов. нар.-поэт.* ғам тортмоқ, ҳасрат чекмоқ, қайғурмоқ, мунгланмоқ, хафа бўлмоқ.

КРУШЕ́НИЕ *с* 1 ҳалокат, ҳалок бўлиш; **~ по́езда** поезд ҳалокати; **потерпе́ть ~** ҳалок бўлмоқ, ҳалокатга учрамоқ (асосан кемалар ҳақида); 2 *перен. чего* барбод бўлиш, йўққа чиқиш, пучга чиқиш, созрилиш, ҳалокат; **~ наде́жд** орзу-умидларнинг барбод бўлиши, йўққа чиқиши; **~ капитали́зма** капитализм ҳалокати.

КРУШИ́НА *ж бот.* итшумурт.

КРУШИ́ННЫЙ, -ая, -ое итшумуртга оид, итшумуртдан қилинган; итшумурт...

КРУШИ́НОВЫЙ, -ая, -ое *то же, что* **круши́нный.**

КРУШИ́/ТЬ *несов.* 1 *что* емирмоқ, емириб ташламоқ, синдирмоқ, бузмоқ, қийратмоқ; **бу́ря ~ла дере́вья** бўрон дарахтларни синдириб ташламоқда (қийратмоқда) эди; 2 *кого-что* тор-мор қилмоқ (келтирмоқ), яксон қилмоқ, қирмоқ; **~ть врага́** душманни тор-мор қилмоқ; **~ть та́нки проти́вника** душман танкларини яксон қилмоқ; 3 *перен. уст.* и *нар-поэт.* эгмоқ, букмоқ, адо қилмоқ, еб қўймоқ, куйдирмоқ (ғам-ғусса ҳақида).

КРУШИ́ТЬСЯ *несов. уст.* и *нар.-поэт.* эгилмоқ, букилмоқ, адо бўлмоқ, куйиб кетмоқ, ғам-ҳасрат чекмоқ.

КРЫЖОВЕ́НН/ЫЙ, -ая, -ое крижовникка оид, крижовникдан қилинган; крижовник...; **~ый куст** крижовник тупи (ёки бутаси); **~ое варе́нье** крижовник мураббоси.

КРЫЖО́ВНИК *м* крижовник.

КРЫЛА́ТКА *ж, р. мн.* **-ток** 1 эркакларнинг белгача тушадиган накидкали плашсимон уст кийими (19-асрда ва 20-аср бошларида); 2 *бот.* қанотли уруғ; **~ карагача́** қайрағочнинг қанотли уруғи.

КРЫЛА́Т/ЫЙ, -ая, -ое 1 қанотли, қаноти бор, барқанот; учар; **~ хи́щник** қанотли йиртқич (қуш); **~ая раке́та** қанотли (учар) ракета; 2 *перен.* учар, эркин (фикр, хаёл, сўз ҳақида); **~ая мысль** учар хаёл; 3 парракли; **~ая ме́льница** парракли тегирмон; ✦ **~ые слова́ (выраже́ния)** барқанот иборалар (оғиздан-оғизга ўтиб кенг тарқалган сўз ва иборалар, ҳикмат ва маталлар).

КРЫЛ/О *с, мн.* **кры́лья** 1 қанот; **~ья со́кола** лочин қанотлари; **~ья ба́бочки** капалак қанотлари; **~о́ самолёта** самолёт қаноти; **маха́ть ~ьями** қанот қоқмоқ; 2 курак, паррак, қанот (эшкак, сув парраги, ҳаво винти ва ш. к. нинг қисми); **~о́ ветряно́й ме́льницы** шамол тегирмон қаноти (парраги); 3 қанот (ғилдирак тепасидаги); **~о́ автомоби́ля** автомобиль қаноти; 4 қанот, томон; **жить в ле́вом ~е́ зда́ния** бинонинг чап қанотида (томонида) яшамоқ; 5 *воен.* қанот, фланг; **де́йствовать на пра́вом ~е** ўнг қанотда ҳаракат қилмоқ; 6 қанот, группа (бирор ташкилотнинг энг сўл ёки энг ўнг группаси); **ле́вое ~о́ буржуа́зных па́ртий** буржуазия партияларининг сўл қаноти (группаси); ✦ **~ья но́са** бурунниг солинчаги; **опусти́ть ~ья** руҳи тушиб кетмоқ, руҳи сўнмоқ, бўшашмоқ; **подре́зать (или обре́зать) ~ья** *кому* қанотини қирқмоқ, қанотини синдирмоқ; **распра́вить ~ья** қанот ёзмоқ, ғайратга минмоқ.

КРЫЛЫ́ШКО *с, р. мн.* **-шек** *уменьш.-ласк. от* **крыло́** 1 қанот, қанотча, кичкина қанот; **~ воробья́** чумчуқнинг қаноти; ✦ **под ~м** *у кого* бировнинг қаноти остида, ҳимоясида, соясида, паноҳида, кўланкасида.

www.ziyouz.com kutubxonasi

КРЫЛЬЦО́ *с, р. мн.* **-лец́** эшик олди (уйга киравериш-даги соябонли пиллапоя); **вы́йти на** ~ эшик олдига чиқмоқ.

КРЫСА *ж* каламуш; **се́рая** ~ кул ранг каламуш; **водяна́я** ~ сув каламуши; ✦ **канцеля́рская** ~ *см.* **канцеля́рский.**

КРЫСИ́Й, -ья, -ье *то же, что* **крыси́ный.**

КРЫСИ́Н/ЫЙ, -ая, -ое 1 каламушга оид; каламуш..; **~ая нора́** каламуш ини (уяси); 2 каламуш учун белгиланган; **~ый яд** каламушни ўлдирадиган заҳар; 3 каламушга ўхшаган, каламушни эслатадиган; **~ое лицо́** каламушюз (юзи каламушнинг юзига ўхшаган киши ёки ҳайвон ҳақида).

КРЫСОЛО́В *м* каламуш тутувчи, каламушларни қирувчи (одам).

КРЫСОЛО́ВКА *ж, р. мн.* **-вок** 1 каламуш қопқон, каламуш тутадиган қопқон; 2 каламуш тутадиган (каламушларни қирадиган) кичкина ит.

КРЫТЫ́Й, -ая, -ое 1 *прич. от* **крыть**; 2 *в знач. прил.* ёпиқ, усти ёпилган, усти ёпиқ, соябонли, томли, тимли; ~ **наве́с** усти ёпиқ айвон; ~ **ры́нок** тимли бозор, усти ёпиқ бозор, тим; 3 *в знач. прил.* қопқоқли.

КРЫТЬ, кро́ю, кро́ешь *несов.* 1 *что* ёпмоқ, қопламоқ, қурмоқ; ~ **кры́шу черепи́цей** томга черепица ёпмоқ; 2 *что* қопламоқ, сирмоқ; ~ **дива́н гобеле́ном** диванга гобелен қопламоқ; диванни гобелен билан сирмоқ; 3 *что* бўёқ бермоқ, бўямоқ, сирламоқ, қопламоқ, суртмоқ; ~ **сте́ны ма́сляной кра́ской** деворларни мой бўёқ билан бўямоқ; 4 *что уст.* қопламоқ, босмоқ, тутмоқ, ўраб олмоқ; **ту́чи кро́ют не́бо** осмонни булут қопламоқда; 5 *перен. что уст.* яширмоқ, бекитмоқ, махфий (сир) тутмоқ, ичига солмоқ (ютмоқ); **он кро́ет в се́рдце оби́ду** у хафалигини (гинасини) юракда сақламоқда, махфий тутмоқда; 6 *что карт.* босмоқ; ~ **королём** король билан босмоқ; 7 *кого-что прост.* қойимоқ, сўкмоқ, ҳақорат қилмоқ; ~ **сквёрную погоду** ёмон об-ҳавони сўкмоқ; ~ **прогу́льщиков** прогулчиларни қойимоқ; ✦ ~ **не́чем** *разг.* жавоб тополмай қолмоқ, лол бўлиб қолмоқ, мот бўлиб қолмоқ, гинг дейолмай қолмоқ.

КРЫТЬСЯ, кро́юсь, кро́ешься *несов.* 1 *уст.* бекинмоқ, яширинмоқ, яшириниб ётмоқ; ~ **в лесу́** ўрмонга яширинмоқ, ўрмонда яшириниб ётмоқ; 2 яширинмоқ, тагида (замирида) бирор нарса бўлмоқ, ётмоқ; **в её молча́нии что-то кро́ется** унинг жим туришида бир гап бор; **причи́на э́того явле́ния кро́ется в том, что...** бу ҳодисанинг сабаби шундаки...; 3 *страд. от* **крыть** 1—3, 6.

КРЫШ/А *ж* 1 том, тим; **двуска́тная** ~**а** икки ёққа нишаб том; **желе́зная** ~**а** тунука том; 2 бошпана, кулба, уй; **име́ть** ~**у над голово́й** ўз уйига (бошпанага) эга бўлмоқ; ✦ **(жить) под одно́й** ~**ей** бир уйда яшамоқ.

КРЫ́ШКА *ж, р. мн.* **-шек** 1 қопқоқ; ~ **кастрю́ли** кастрюлка қопқоғи; ~ **лю́ка** тўнук қопқоғи; 2 устки қисм, қопқоқ; ~ **стола́** столнинг усти (устки қисми, қопқоғи); 3 *в знач. сказ. прост.* адо (тамом) бўлди, ўлди, ажали етди; куни битди; **тепе́рь ему́** ~ энди у тамом бўлди.

КРЮК *м, р.* **-а́** 1 *мн.* **крюки́** и **кри́чья** қайрилма қозиқ; **вбить** ~ **в сте́ну** деворга қайрилма қозиқ қоқмоқ; 2 *мн.* **кри́чья** илмоқ, чангак, чангал; **растопы́ривать кри́чьями горя́щие ба́лки** ёнаётган тўсинларни чангак билан тортиб олмоқ; 3 *мн.* **крюки́** илгак, илмоқ, занжир; **запере́ть дверь на** ~ эшик илгагини солмоқ, эшикни занжирламоқ; 4 *разг.* айланма йўл, айланиш; **сде́лать большо́й** ~ узоқ йўлдан айланиб бормоқ.

КРЮЧИ/ТЬ *несов.* (*сов.* **скрю́чить**) *безл. кого-что прост.* тириштирмоқ, ижирғантирмоқ, тўлғантирмоқ; **его́ ~ло от бо́ли** оғриқ уни тириштиради, у оғриқдан тиришиб борарди.

КРЮЧИ́ТЬСЯ *несов.* (*сов.* **скрю́читься**) *прост.* тиришмоқ, тўлғанмоқ, ижирғанмоқ; ~ **в су́дорогах** титраб-қақшамоқ, тиришиб-қақшаб титрамоқ.

КРЮЧКОВА́ТЫЙ, ая, **-ое** илмоқсимон, илмоққа ўхшаш, қайрилган, қайрилма; ~ **па́лец** қайрилган бармоқ; ~ **нос** қарчиғайбурун, қийғирбурун.

КРЮЧКОТВО́Р *м уст.* ишкалбоз, лўттибоз, сансалор, чатоқ; атайлаб ишга тўғоноқ (илмоқ) солувчи.

КРЮЧКОТВО́РЕЦ *м, р.* **-рца** *уст. то же, что* **крючкотво́р.**

КРЮЧКОТВО́РНЫЙ, -ая, -ое *уст.* ишкалбозликдан (лўттибозликдан) иборат бўлган, ишкалбозлик (лўттибозлик) билан қилинган, ишкал, чатоқ, илмоқли.

КРЮЧКОТВО́РСТВО *с уст.* ишкалбозлик, лўттибозлик, сансалорлик, ишга атайлаб тўғоноқ (илмоқ) солиш, ишкал топиш, ишкал чиқариш.

КРЮЧКОТВО́РСТВОВАТЬ *несов. уст.* ишкалбозлик (лўттибозлик) қилмоқ, ишга атайлаб тўғоноқ (илмоқ) солмоқ, сансалорлик қилмоқ, ишкал топмоқ, ишкал чиқармоқ.

КРЮЧНИК *м* чангак билан юк ташувчи.

КРЮЧО́К *м, р.* **-чка́** 1 илгак, илмоқ, занжир; **наки́нуть на дверь** ~ эшикка илгак солмоқ, эшик илгагини (занжирини) илмоқ; 2 илгакли нарса, асбоб, илгак; **вяза́льный** ~ тўр тўқийдиган пилта, крючок; ~ **букси́ра** буксир илгаги; 3 қармоқ; **лови́ть ры́бу на** ~ қармоқ билан балиқ тутмоқ; 4 жимжима, гажак (ёзувда); 5 *перен. разг. уст.* тўғоноқ, илмоқ, ишкал, чатоқ; 6 *то же, что* **крючкотво́р.**

КРЮШО́Н *м* крюшон (оқ винога ром ёки коньяк ҳамда ҳўл мева шираси қўшиб тайёрланган ичимлик).

КРЯ́ДУ *нареч. разг.* сурункасига, қаторасига; муттасил, бетўхтов; **две но́чи** ~ икки кеча бетўхтов; **не́сколько лет** ~ **он отдыха́ет в гора́х** бир неча йил муттасил у тоғда дам олади.

КРЯЖ *м* 1 кряж, тепаликлар (тоғлар) тизмаси, тизма тоғлар; 2 катта ғўла, тўнка, тўнгак, кунда; **сосно́вый** ~ қарағай тўнкаси; 3 *разг.* бақувват (миқти, ғўлабир) одам.

КРЯЖИ́СТЫЙ, -ая, -ое бақувват, йўғон, чайир (дарахт, ёғоч, тўнка ҳақида); ~ **дуб** йўғон дуб; ~ **пень** чайир тўнка; 2 *перен.* чорпахил, миқти, ғўлабур, чайир; ~ **стари́к** чорпахил чол.

КРЯК *м прост. то же, что* **кря́канье.**

КРЯ́КАНЬЕ *с* 1 ғағиллаш, ғақ-ғақлаш; 2 томоқни тақиллатиш, ўҳ-ўҳлаш, томоқ қириш; **дово́льное** ~ мамнуният билан томоқ қириб қўймоқ.

КРЯКА́ТЬ *несов.* (*сов.* **кря́кнуть**) 1 ғағилламоқ, ғақ-ғақламоқ, ғақ-ғақ қилмоқ; 2 *разг.* томоқ қирмоқ, томоқни тақиллатмоқ, ўҳ-ўҳламоқ; ~ **от удово́льствия** маза қилиб томоқ қоқмоқ, ўҳ-ўҳлаб қўймоқ.

КРЯ́КВА *ж* ёввойи ўрдакнинг бир тури.

КРЯКНУ́ТЬ *сов. однокр. см.* **кря́кать.**

КРЯКОВ/ЫЙ: ~**ая у́тка** *то же, что* **кря́ква.**

КРЯКУША *ж обл. то же, что* **кря́ква.**

КРЯХТЕ́НЬЕ *с разг. по гл.* **кряхте́ть; недово́льное** ~ норози бўлиб оҳ-воҳ қилиш.

КРЯХТЕ́ТЬ, -хчу́, -хти́шь *несов. разг.* 1 инқилламоқ, инграмоқ, ихрамоқ, оҳ-воҳ қилмоқ; ~ **от бо́ли** оғриқдан инграмоқ; 2 *перен.* зорланмоқ, нолимоқ, дод-вой (оҳ-вох) қилмоқ, ғингшимоқ; ~ **от бесконе́чных забо́т** чексиз ташвишлардан зорланмоқ.

КСЁНДЗ *м, р.* **ксендза́** ксёндз, кашиш (поляк католикларининг руҳонийси).

КСЕНО́Н *м* ксенон (химиявий элемент, инерт газ).

КСЕРОФО́РМ ксероформ (малҳам дорига қўшиладиган, ярага сепиладиган сариқ порошок).

КСИЛО́ГРАФ *м* ксилограф, ҳаккок (ёғочга ўйма **нақш** солувчи уста).

КСИЛОГРАФИ́ЧЕСК/ИЙ, -ая, -ое ксилографияга, ҳаккокликка оид; ксилография..., ҳаккоклик...; ~**ий цех** ксилография цехи; ~**ое иску́сство** ҳаккоклик санъати.

КСИЛОГРА́ФИЯ *ж* 1 ксилография, ҳаккоклик; 2 ксилография (ёғочга ўйилган нақш ва ундан босилган сурат).

КСИЛОЛИ́Т *м* ксилолит (ёғоч қипиқ, асбест ва ш. к. аралашмасидан тайёрланган бинокорлик материали).

КСИЛОЛИ́ТОВЫЙ, -ая, -ое ксилолитга оид; ксилолитдан қилинган; ксилолит...; ~ **пол** ксилолит пол.

КСИЛОФО́Н *м* ксилофон, ёғоч чанг.

КСИЛОФОНИ́СТ *м* ксилофончи, ксилофон чалувчи музикант.

КСИЛОФОНИ́СТКА *ж, р. мн.* **-ток** *см.* **ксилофони́ст.**

КСТА́ТИ *нареч.* 1 ўз вақтида, жойида, мавридида, зарур пайтда; ўринли, ўрнида, жўяли; **сказа́ть** *что-л.* ~ ўрин-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ли (ўз ўрнида) айтмоқ; **вы пришли́ о́чень** ~ сиз жуда вақтида келдингиз; **э́то случи́лось** ~ **бу** ўз вақтида (айни керак пайтида) юз берди; **сейча́с дождя́** ~ ҳозир ёмғирнинг айни вақти; ҳозир ёмғир ёғса яхши бўлар эди; 2 бир йўла, йўлакай, фурсатдан фойдаланиб; ... билан бирга; ~ **обсу́дим и э́тот вопро́с** бу масалани ҳам бир йўла муҳокама қиламиз; **купи́** ~ **и са́хару** бир йўла қанд ҳам сотиб ол; 3 *в знач. вводн. сл.* ҳа айтганча, айтмоқчи, айтгандай; ~, **мы смотре́ли э́тот фильм?** ҳа айтганча, сиз бу фильмни кўрдингизми?; **он, ~ сказа́ть, заболе́л** ҳа айтгандай, у касал бўлиб қолди; 4 хонаси келганда, ўрни келганда; ✦ **как нельзя́** ~ жуда ҳам ўз вақтида (ўз ўрнида), худди буюргандай.

КТИ́ТОР *м церк.* ктитор (бутхона оқсоқоли).

КТО, кого́, кому́, кем, о ком *мест.* 1 *вопросит.* ким; ~ **там?** ким у ерда?; ~ **приходи́л?** ким келди (келган эди)?; **у кого́ ты сего́дня был?** сен бугун кимникида бўлдинг?; **кому́ ты дал кни́гу?** китобни сен кимга бердинг?; **кем ты ра́ньше рабо́тал?** илгари сен ким бўлиб ишлар эдинг?; **кем он тебе́ прихо́дится?** у сенга ким бўлади?; у сенинг кимминг?; **о ком они́ говори́ли?** улар ким тўғрисида гаплашдилар?; ~ **ты тако́й, что́бы меня́ учи́ть?** сен кимсан ўзинг, менга ўргатадиган?; 2 ким, қандай (ёки қанақа) одам; **вот** ~ **нам ну́жен!** мана, бизга ким (қандай одам) керак!; 3 ким, баъзилар, баъзиси, бири; ~ **сел за кни́гу,** ~ **гуля́л в саду́** ким (баъзилар) китобхонликка ўтирди, ким (баъзилар) эса, боғда сайр этарди; 4 *неопр. разг.* кимдир, биров, бирор киши; **не помо́жет ли мне** ~**?** бирор киши менга ёрдам бермасмикин (беролмайдими)?; **э́того писа́теля ма́ло** ~ **зна́ет** бу ёзувчини кўп киши танимайди (кўплар танимайди); 5 *относит.* кимки; ким, кимда-ким; **хорошо́ тому́,** ~ **сейча́с отдыха́ет** кимки ҳозир дам олаётган бўлса, унга яхши (ҳозир дам олаётган кишига маза); ~ **не́ был в гора́х, не мо́жет предста́вить их красоты́** тоққа чиқмаган киши унинг гўзаллигини тасаввур қилолмайди; **я могу́ рабо́тать то́лько с тем, в ком уве́рен** мен фақат ўзим ишонган киши билан ишлай оламан; ✦ ~ **где** ҳар ким ҳар жойда, ким у ёқда, ким бу ёқда; ~ **куда́** ким қаерга, ҳар ким ҳар ёққа; ~ **как** ҳар ким ўзича; ким ундай, ким бундай; ~ **в лес,** ~ **по дрова́** бири тоғдан келса, бири боғдан келади, бирининг гапи бириникига тўғри келмайди; **кого́-кого́, а (его́-то мы зна́ем)!** бошқаларни билмасак ҳам, уни яхши биламиз!; ~ **кого́** ким кимни енгади; ким зўр чиқади; **посмо́трим,** ~ **кого́ одоле́ет** ким кимни енгаркин, кўрамиз; ~ **бы ни** ким бўлса ҳам, ким бўлмасин; ~ **да** ~ (придёт, уе́дет, оста́нется и т. п.)? яна ким (келади, кетади, қолади); ~ **ни на есть** ҳар ким, ҳар қандай одам, ким бўлмасин; **хоть кого́** кимни бўлса ҳам, ким бўлмасин, ҳар қанақасини.

КТО́-ЛИБО, кого-л. и т. д. (*см.* **кто**) *мест. неопр. то же, что* **кто́-нибудь.**

КТО́-НИБУДЬ, кого́-н. и т. д. (*см.* **кто**) *мест. неопр.* **ким** бўлса ҳам, ким бўлмасин, кимдир, биров, бирор киши, битта-яримтаси, бирортаси.

КТО́-ТО, кого́-то и т. д. (*см.* **кто**) *мест. неопр.* 1 кимдир, биров, аллаким, кимдир-биров; **э́то** ~ **друго́й** бу бошқа одам, кимдир биров, бошқа киши; ~ **ходи́л под о́кнами** кимдир дераза олдидан ўтибди; 2 кимдир, бирор киши; ~ **мог бы мне и помо́чь** кимдир менга ёрдам бериши мумкин эди.

КУАФЁР *м уст.* сартарош.

КУАФЮ́РА *ж уст.* соч қўйиш (тараш) тарзи, соч тарами.

КУБ I *м, мн.* **кубы́** куб (1 *мат.* ҳамма томони тенг квадратдан иборат олтиёқлик геометрик шакл; 2 *мат.* бирор соннинг учинчи даражаси; **возвести́** *какое-н.* **число́ в** ~ бирор сонни учинчи даражага, кубга кўтармоқ; 3 *разг.* бир кубометрга баравар ҳажм ўлчови; ~ **дров** бир куб ўтин, бир кубометр ўтин).

КУБ II *м, мн.* **кубы́** куб (сув қайнатиш ёки бошқа суюқликларни ҳайдаш учун ишлатиладиган берк идиш).

КУБА́НКА *ж, р. мн.* **-нок** кубанка (1 буғдой нави; 2 тепаси ясси қалпоқ).

КУ́БАРЕМ *нареч. разг.* 1 дўмбалоқ (умбалоқ) ошиб, юмалаб, чирпирак бўлиб; ~ **скати́ться с горы́** тоғдан юмалаб (чирпирак бўлиб) тушмоқ; 2 ўқдай учиб, шошиб, шошганича; **он** ~ **вы́летел из ко́мнаты** у уйдан ўқдай учиб чиқиб кетди.

КУБА́РЬ *м, р.* **-ря́** *обл.* шохсоққа шаклидаги пилдироқ; **пуска́ть** ~ пилдироқни пилдиратмоқ.

КУБАТУ́РА *ж* кубатура (бирор нарсанинг кубометр ҳисобидаги ҳажми); ~ **ко́мнаты** хонанинг кубатураси.

КУБИ́ЗМ *м* кубизм (тасвирий санъатда 20-асрнинг 1-чорагида вужудга келган ва реализмга қарама-қарши ўлароқ борлиқни геометрик шаклларда тасвирлашга интилган оқим).

КУБИК *м* кубик (1 *уменьш. от* **куб** I, 1; 2 *разг.* бир куб сантиметрга тенг ҳажм ўлчови; 3 *мн.* ~**и** *разг.* ҳамма томонига турли расмларнинг бўлаклари солинган кубикчалардан иборат ўйинчоқ; бу кубикчаларни териб бир бутун сурат чиқарилади).

КУБИ́НЕЦ *м, р.* **-нца** кубалик; *см.* **кубинцы.**

КУБИ́НКА *ж, р. мн.* **-нок** кубалик аёл; *см.* **кубинцы.**

КУБИ́НСКИЙ, -ая, -ое Кубага ва кубаликларга оид; Куба...; кубалик(лар)...; ~ **са́хар** куба қанди; ~ **та́нец** кубаликлар рақси, кубача рақс.

КУБИ́НЦЫ *мн. (ед.* **куби́нец** *м,* **куби́нка** *ж)* Куба халқи, кубаликлар.

КУБИ́СТ *м* кубист; кубизм тарафдори.

КУБИ́СТСК/ИЙ, -ая, -ое кубизмга ва кубистларга оид; кубизм руҳидаги, услубидаги; ~**ая живопи́сь** кубизм руҳидаги (услубидаги) рассомлик (ёки расмлар).

КУБИ́ЧЕСК/ИЙ, -ая, -ое 1 куб шаклидаги, куб; ~**ий сли́ток** куб шаклидаги қуйма (ёмби); 2 *мат.* учинчи даражали, куб; ~**ий ко́рень** куб илдиз; ~ **ое уравне́ние** учинчи даражали тенглама; 3 бир куб ҳажмдаги; ~**ий метр** бир куб метр; ✦ ~**ие ме́ры** куб (ҳажм) ўлчовлари.

КУБКОВЫЙ, -ая, -ое *спорт.* кубок учун ўйналадиган, кубок (соврин) олиш учун бўладиган; ~ **турни́р** кубок (соврин) олиш учун ўтказиладиган турнир.

КУБОВ/ОЙ, -а́я, -о́е 1 *тех.* куб II га оид, кублардан тузилган; куб...; ~**а́я батаре́я** кублардан тузилган батарея; кублар батареяси; 2 *в знач. сущ.* ~**а́я** *ж* кубхона, куб ўрнатилган хона.

КУБОВ/ЫЙ, -ая, -ое 1: ~**ые краси́тели** нил бўёқлар (органик кўк бўёқлар); 2 нил ранг, тўқ кўк ранг; ~**ое пла́тье** тўқ кўк кўйлак.

КУБОК *м, р.* **-бка** 1 қадаҳ, жом; **серебряный** ~ кумуш қадаҳ; **подня́ть заздра́вный** ~ табриклаб қадаҳ кўтармоқ; 2 *спорт.* кубок, соврин; **переходя́щий** ~ кўчма кубок; **завоева́ть** ~ кубокни (совринни) қўлга киритмоқ.

КУБОМЕТР *м* (кубический метр) кубометр, бир куб метр; ~ **дров** бир кубометр ўтин.

КУБРИК *м* кубрик (кемада команда жойлашадиган умумий хона).

КУБЫШК/А *ж, р. мн.* **-шек** 1 кувача, мўнди; 2 *разг.* ғаладон, ақчадон (пул йиғиш, сақлаш учун); 3 *м* и *ж разг.* бақалоқ, гумбаз (асосан аёллар ҳақида); 4 сариқ нилфия (сариқ гулли сув ўсимлиги); ✦ **класть де́ньги в** ~**у** топган пулни ғаладонга ташламоқ, пул тўпламоқ, пул йиғмоқ; **храни́ть (или бере́чь, держа́ть) де́ньги в** ~**е** пулни уйда босиб ётмоқ, пулни уйда сақламоқ.

КУВА́ЛДА *ж* 1 босқон, катта болға; 2 *прост.* тўнка, гумбаз (қўпол, бесўнақай аёл ҳақида).

КУВЕ́РТ *м уст.* куверт (овқатланиш асбоблари); **стол накры́т на де́сять** ~**ов** ўн кувертли (кишили) стол (дастурхон тайёрланган.

КУВШИ́Н *м* кўза, кувача; **гли́няный** ~ сопол кўза.

КУВШИ́НКА *ж, р. мн.* **-нок** оқ нилфия.

КУВШИ́НН/ЫЙ, -ая, -ое кўзага, кувачага оид; кўза...; кувача; ~**ое го́рлышко** кўзанинг оғзи; ✦ ~**ое ры́ло** *прост.* хунук, сўлоқ башара ва шундай башарали киши.

КУВЫ́РК *межд. в знач. сказ. разг.* гуп этиб тушди, ағдарилиб тушди; алла бўлди; ~ **с дива́на** дивандан гуп этиб ағдарилиб тушди.

КУВЫРКА́ТЬ *несов.* (*сов.* **кувыркну́ть**) *кого-что разг.* ағдариб юбормоқ, йиқитиб юбормоқ, умбалоқ оширмоқ.

КУВЫРКА/ТЬСЯ *несов. разг.* (*сов.* **кувыркну́ться**) 1 дўмбалоқ (умбалоқ) ошмоқ, юмаламоқ, ағдарилмоқ; ~**ться в траве́** майса устида ўмбалоқ ошмоқ (думаламоқ);

www.ziyouz.com kutubxonasi

2 қаттиқ чайқалмоқ; **ло́дка ~лась в во́лнах** қайиқ тўлқинда ағдарилгундай чайқалар эди.

КУВЫРКНУ́ТЬ *сов. однокр. см.* **кувырка́ть.**

КУВЫРКНУ́ТЬСЯ *сов. однокр. см.* **кувырка́ться.**

КУВЫРКО́М *нареч. разг.* ўмбалоқ ошиб, бошдан ошиб, юмалаб; думалаб, чирпирак бўлиб; **скати́ться ~ом** ўмбалоқ ошиб тушмоқ, думалаб (чирпирак бўлиб) тушмоқ; **всё пошло́ ~ом** *перен.* ҳамма иш чатта бўлиб кетди.

КУВЫРНУ́ТЬ *сов. разг. то же, что* **кувыркну́ть.**

КУВЫРНУ́ТЬСЯ *сов. разг. то же, что* **кувыркну́ться.**

КУВЫРО́К *м, р.* **-рка́** ўмбалоқ ошиш, дўмбалоқ ошиб сакраш.

КУГ/А́ *ж* қўға; **за́росли ~и́** қўғазор.

КУГУА́Р *м то же, что* **пу́ма.**

КУДА́ *нареч.* **1** *вопросит.* қаерга, қаёққа, қайси жойга, қай томонга; **~ мы пойдём?** қаерга (қаёққа) борамиз?; **~ спеши́шь** қаёққа шошиляпсан?; **2** *вопросит. разг.* нега керак, нима кераги бор; **~ мне э́тот стол?** бу стол менга нима учун керак?; менга бу столнинг нима кераги бор?; **заче́м вам сто́лько фру́ктов? Куда́ их?** шунча меванинг нимага кераги бор? Уларни нима қиласиз? **3** *неопр. разг.* қаергадир, бирор бошқа ёққа; **пойдём в кино́ или ещё ~?** кинога ёки бошқа бирор жойга бормаймизми?; **4** *относит.* қаёққа, қайси томонга; **на́до разузна́ть, ~ они́ е́дут** уларнинг қаерга боришини (кетишини, кетаётганлигини) билиш керак; **~ бы они́ ни пошли́, всю́ду бы́ло лю́дно** улар қаёққа боришмасин, ҳамма жойда одам кўп эди; **5** *в знач. частицы разг.* анча, кўп, ортиқ даражада; **э́тот вопро́с ~ сложне́е, чем мы предполага́ли** бу масала биз ўйлагандан мураккаброқ (экан); **эта́ кни́га ~ интере́снее** бу китоб анча қизиқарли (қизиқарлироқ); **6** *в знач. частицы усилит. разг. уст.* жуда, ғоят, ниҳоятда; **он ~ как осерча́л** у ғоят аччиқланди, унинг жуда аччиғи келди; **7** *в знач. частицы прост.* қаёқда дейсиз, йўл бўлсин, асло, сира, сира ҳам; **хоте́ла взять биле́т. Куда́ там!** билет олмоқчи эдим. Қайда дейсиз!; **~ уж ему́ так спеть** бундай ашула айтиб бўпти; **✦ хоть ~** *прост.* нимасини айтасиз, хўп яхши, жуда яхши; **он па́рень хоть ~** нимасини айтасиз, у жуда яхши йигит; **пла́тье хоть ~** бу кўйлакнинг нимасини айтасиз; бундан яхши кўйлак бўлмайди, кўйлак бўлса шунчалик бўлар; **~ как** жуда; жуда ҳам; **~ ни шло!** бу ҳам баҳарнав эди!; **~ Мака́р теля́т не гоня́л** бир тупканинг тагида, жуда узоқ жойда.

КУДА-ЛИБО *нареч. то же, что* **куда́-нибудь.**

КУДА́-НИБУДЬ *нареч.* бирор жойга (ёққа, ерга); қаерга бўлса ҳам (бўлмасин); **пойдём ~** бирор ёққа борайлик (бормаймизми).

КУДА́-ТО *нареч.* қаёққадир, номаълум жойга, бир ёққа; **он ушёл ~** у қаёққадир кетди.

КУДА́ХТАНЬЕ *с* қақағлаш, қағ-қағ; **~ кур** товуқларнинг қақағлаши (қағ-қағи).

КУДА́ХТА/ТЬ, -хчу, -хчешь *несов.* **1** қақағламоқ, қағ-қағ қилмоқ; **2** *разг.* шанғилламоқ, шанғиллаб гапирмоқ (гаплашмоқ), валақлашмоқ.

КУДЕ́ЛЬ *ж* каноп ёки зиғирпоянинг титилган толаси.

КУДЕ́ЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое каноп (ёки зиғирпоя) толасидан қилинган; каноп...; **~ая верёвка** каноп (ёки зиғирпоя) толасидан эшилган арқон; каноп арқон.

КУДЕ́СНИК *м уст. поэт.* жодугар, сеҳргар, афсунгар, фолбин.

КУДЛА́СТЫ/Й, -ая, -ое *прост. то же, что* **кудла́тый; ~е во́лосы** пахмоқ соч.

КУДЛА́Т/ЫЙ, -ая, -ое *разг.* пахмоқ, бароқ; **~ая борода́** пахмоқ соқол; **~ый щено́к** бароқ кучук.

КУДРЕВА́ТЫЙ, -ая, -ое *разг.* **1** бир оз (сал-пал) жингалак, жингалакроқ; **2** *то же, что* **кудря́вый 4.**

КУДР/И́ *мн., р.* **-е́й** қўнғироқ (жингалак) сочлар, жингалак, фатила, гажак; **тёмные ~и́** қорамтир қўнғироқ сочлар; **седи́ны в ~и́х** жингалак-жингалак оппоқ соч.

КУДРЯ́ВИТЬСЯ, -ится *несов.* жингалак-жингалак бўлмоқ, фатила-фатила бўлиб турмоқ (тушмоқ), жингалакланмоқ.

КУДРЯ́В/ЫЙ, -ая, -ое жингалак, қўнғироқ, фатила (соч ҳақида); **~ые во́лосы** жингалак сочлар; **2** жингалак сочли, жингалак соч, сочи жингалак (қўнғироқ); **~ый ма́льчи́к** жингалак соч (сочи жингалак) бола; **3** кунгирали, жимжимали, жингалак-жингалак; жимжима; қўнғироқ; **~ая листва́** жимжимали барглар, жингалак барглар; **4** *перен.* жимжимадор, серҳашам, бежамдор, панжарагулчин (услуб, нутқ, тил ҳақида); **~ый стиль** бежамдор (серҳашам) услуб; **~ый по́черк** жимжимадор хат, панжарагулчин дастхат.

КУДРЯ́ШКИ *мн., р.* **-шек** *(ед.* **кудря́шка** *ж)* жингалак, гажак.

КУЗЕ́Н *м* амакининг (тоғанинг, холанинг, амманинг) ўғли, аммавачча, холавачча, амакивачча, тоғавачча (буржуа-дворянлар нутқида).

КУЗИ́НА *ж* амакининг (тоғанинг, холанинг, амманинг) қизи, аммавачча, холавачча, амакивачча, тоғавачча (буржуа-дворянлар нутқида).

КУЗНЕЦ *м, р.* **-а́ 1** темирчи; **2** тақачи; **3** *то же, что* **кузне́чик.**

КУЗНЕ́ЧИК *м* чигиртка.

КУЗНЕ́ЧИТЬ *несов. обл.* темирчилик (тақачилик) қилмоқ.

КУЗНЕ́ЧНЫЙ, -ая, -ое темирчига ва темирчиликка оид; темирчилик...; темирчи...; **~ мо́лот** темирчилик (темирчи) болғаси; **~ цех** темирчилик цехи.

КУ́ЗНИЦА *ж* **1** темирчилик ишхонаси, цехи; **колхо́зная ~** колхоз темирчилик ишхонаси; **2** *перен. высок.* ўчоқ, бешик, манба; **ПТУ — ~ рабо́чих ка́дров** ПТУ — ишчи кадрлар ўчоғи.

КУ́ЗНЯ *ж прост. то же, что* **ку́зница 1.**

КУЗО́В *м, мн.* **-а́ 1** *обл.* пўстлоқ (пўстлоқдан тўқилган) сават; **~ грибо́в** бир сават қўзиқорин; **2** кузов, ўгрича (автомобиль ёки бошқа транспорт воситаларининг одам тушадиган ёки юк ортиладиган жойи); **автомоби́льный ~** автомобиль кузови.

КУЗЬКА *ж, р. мн.* **-зек** *зоол.* кузька (ғалла қўнғизи).

КУЗЬКИН: показа́ть ~у мать *кому груб. прост.* адабини бериб қўймоқ, онасини кўрсатмоқ.

КУКА́Н *м обл.* тизимча, чизимча (тутилган балиқларни тизиб қўйиш учун).

КУКАРЕ́КАТЬ *несов. (сов.* **прокукаре́кать** и *сов. однокр.* **кукаре́кнуть**) чақирмоқ, қичқирмоқ (хўроз ҳақида).

КУКАРЕ́КНУТЬ *сов. однокр. см.* **кукаре́кать.**

КУКИШ *м разг.* бошмалдоқни икки бармоқ орасидан чиқариб мушт кўрсатиш (нафрат, мазахлаш ишораси); **показа́ть ~** бошмалдоқни чиқариб мушт кўрсатмоқ; **✦ (показа́ть) ~ в карма́не** *прост.* узоқдан (орқаворатдан) дўқ қилиб юрмоқ; **~ с ма́слом получи́ть** (или **дать**) *прост.* қуруқ (икки қўлни бурнига тиқиб) қолмоқ, ҳеч нарса ололмаслик.

КУКЛ/А *ж, р. мн.* **-кол 1** қўғирчоқ; **игра́ть в ~ы** қўғирчоқ ўйнамоқ; **теа́тр ку́кол** қўғирчоқ театри; **2** *уст.* ҳайкалча, статуэтка, **фарфо́ровая ~а** чинни ҳайкалча; **3** *разг.* номига одам; пуч (бемаъни, жонсиз) одам, қуруқ сурат, қўғирчоқ (кўпинча аёллар ҳақида); **4** *перен.* ўйинчоқ, қўғирчоқ; **я вам не ~а** мен сизга ўйинчоқ (қўғирчоқ) эмасман; **✦ чёртова ~а** *бран.* хумпар, лаънати.

КУ-КЛУКС-КЛАН *м* ку-клукс-клан (АҚШда: ирқчиларнинг махфий террорчи ташкилоти).

КУКЛУКСКЛА́НОВЕЦ *м, р.* **-вца** куклускланчи, ку-клукс-клан аъзоси.

КУКОВА́ТЬ, -ку́ет *несов. (сов.* **прокукова́ть**) куккуламоқ, каккуламоқ, ку-ку қилмоқ.

КУКО́ЛКА *ж, р. мн.* **-лок 1** *уменьш.-ласк. от* **ку́кла** 1—3 қўғирчоқча, кичкина қўғирчоқ; **2** қўғирчоқдай (чақмоқдай) қиз, бежирим аёл; **3** *зоол.* ғумбак, ғундак; **~ шелкопря́да** пилла куртининг ғумбаги.

КУКО́ЛЬ I *м* рандак (сариқ гулли ёввойи ўт).

КУКО́ЛЬ II *м* куколь (монахларнинг бош кийими).

КУКО́ЛЬНИК *м* **1** қўғирчоқсоз, қўғирчоқ ясовчи уста; **2** *разг.* қўғирчоқ театрининг артисти.

КУКО́ЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое 1 қўғирчоққа оид; қўғирчоқ...; **~ая мастерска́я** қўғирчоқ устахонаси (ишхонаси); **~ый теа́тр** қўғирчоқ театри; **2** қўғирчоқлар учун белгиланган; қўғирчоқ...; ўйинчоқ; **3** қўғирчоқдек, қўғирчоққа (қўғирчоқникига) ўхшайдиган; **~ое ли́чико** қўғирчоқюз

www.ziyouz.com kutubxonasi

(қўғирчоқнинг юзига ўхшаган юз-бет); 4 *перен.* кичкина, бежирим, жажжи; ~ые ру́чки бежирим қўллар; ~ый сту́льчик бежирим курсича; ✦ ~ая коме́дия қўғирчоқбозлик, майнабозлик; мунофиқона иш, хатти-ҳаракат.

КУКСИ/ТЬСЯ, -кшусь, -ксишься *несов. разг.* 1 қовоқ осилтирмоқ, симраймоқ, ўшшаймоқ, мушшайиб (ҳурпайиб) юрмоқ; **что ты ~шься?** нега қовоғинг осилиб қолди?; 2 мужмал (ланж) бўлиб турмоқ, мазаси қочмоқ; **ребёнок ~тся** бола мужмал (ланж) бўлиб турибди.

КУКУРУ́З/А *ж* маккажўхори (ўсимлиги ва дони); **поча́ток ~ы** маккажўхори сўтаси; **жа́реная ~а** қовурилган жўхори, бодроқ.

КУКУРУ́ЗНИК *м разг.* кукурузник (Улуғ Ватан уруши вақтида ҳарбий мақсадлар учун мосланган енгил ўргамчик самолётга берилган ном).

КУКУРУ́ЗН/ЫЙ, -ая, -ое 1 маккажўхорига оид; маккажўхори...; **~ый сте́бель** маккажўхори пояси; **~ый поча́ток** маккажўхори сўтаси; 2 маккажўхоридан қилинган; маккажўхори...; **~ая мука́** маккажўхори уни, зоғора ун; **~ый хлеб** зоғора нон; зоғора.

КУКУРУЗОВЫЙ, -ая, -ое *разг. то же, что* **кукуру́зный.**

КУКУРУЗООУБО́РОЧНЫЙ, -ая, -ое маккажўхорини ўриб-йиғиб оладиган; маккажўхори...; **~ комба́йн** маккажўхорини ўриб-йиғиб оладиган комбайн, маккажўхори комбайни.

КУКУ́ШЕЧ/ИЙ, -ья, -ье каккуқушга (каккуга) оид; каккуқуш..., какку...; **~ье я́йцо́** каккуқуш тухуми.

КУКУ́ШК/А *ж, р. мн.* **-шек** 1 каккуқуш, какку; 2 *разг.* кукушка (маневр учун ишлатиладиган кичик паровоз, шундай паровоз билан юрадиган маҳаллий поезд).

КУКУ́ШКИН, -а, -о 1 каккуқушга (каккуга) оид; каккуқуш...; какку...; **~ клюв** какку тумшуғи; 2 баъзи ботаника терминлари таркибига киради; **~ лён** каккуйўсин, каккумох (мохнинг бир тури).

КУКУШО́НОК *м, р.* **-нка,** *мн.* **-ша́та** какку боласи.

КУЛА́К I *м, р.* **-а́** 1 мушт, муштум; **сжима́ть ~и́** муштини тугмоқ (сиқмоқ); **сжать па́льцы в ~** бармоқларини (қўлини) мушт қилмоқ; **грози́ть ~о́м** мушт ўқталмоқ, муштумини кўрсатмоқ; **сту́кнуть ~о́м по́ столу** столга мушти билан урмоқ; 2 *перен. какой* қатъий зарба бериш учун бир жойга тўпланган жанговар куч; **уда́рный ~** зарбдор жанговар куч; 3 *тех.* кулак (машина деталларининг дўнг қисми); ✦ **отве́дать ~о́в** мушт (калтак) емоқ; **держа́ть в ~е́** бутунлай қўлга олмоқ; бўйсундирмоқ; **зажа́ть в ~е́** тўла бўйсундирмоқ, маҳкам тутмоқ; **приня́ть в ~и́** *прост.* роса муштламоқ, дўппосламоқ; **собра́ть в ~** *кого-что* бирлаштирмоқ, тўпламоқ, иттифоқ қилмоқ.

КУЛА́К II *м, р.* **-а́** 1 қулоқ, муштумзўр; 2 манфаатпараст, дунёпараст, тамагир, юлғич.

КУЛА́Н *м зоол.* қулон.

КУЛА́ЦК/ИЙ, -ая, -ое қулоқларга (муштумзўрларга) оид, қарашли; **~ое хозя́йство** қулоқ хўжалиги.

КУЛА́ЧЕСК/ИЙ, -ая, -ое қулоқларга оид, хос; муштумзўрларча; **~ая идеоло́гия** қулоқлар (муштумзўрлар) идеологияси.

КУЛА́ЧЕСТВ/О *с собир.* қулоқлар, муштумзўрлар; қулоқлар синфи; **ликвида́ция ~а как кла́сса** қулоқларнинг синф сифатида тугатилиши.

КУЛА́ЧКА *ж, р. мн.* **-чек** *см.* **кула́к II.**

КУЛА́ЧК/И: дра́ться (или **би́ться** и т. п.) **на ~ах** (или **на ~и**) муштлашишда қатнашмоқ; муштлашмоқ.

КУЛА́ЧКОВЫЙ, -ая, -ое *прил. от* **кулачо́к** I, 2 *тех.* кулачокли; **~ вал** кулачокли вал.

КУЛА́ЧН/ЫЙ, -ая, -ое 1 муштга оид, муштлашиш билан боғлиқ бўлган; **~ый бой** муштлашиш; **~ая распра́ва** муштлаб (калтаклаб) жазолаш; 2 *тех.* кулачокли; кулачок...; **~ое колесо́** кулачокли ғилдирак; ✦ **~ое пра́во** зўравонлик, муштумзўрлик.

КУЛА́ЧОК I *м, р.* **-чка́** 1 *уменьш. от* **кула́к** I, 1 кичкина муштум, муштча; 2 *тех.* кулачок, кулак.

КУЛА́Ч/ОК II *м, р.* **-чка́** *унич. от* **кула́к** II; **~ки́** и **подкула́чники** қулоқлар (муштумзўрлар) ва уларнинг думлари (малайлари).

КУЛА́ЧЬЁ *с собир. прост.* қулоқлар, муштумзўрлар.

КУЛЕБЯКА *ж* кулебяка (чўзинчоқ катта сомса).

КУЛЁК *м, р.* **-лька́** чипта халта; **қоғоз халта; ~ для муки́** ун халта; **~ с ри́сом** гуруч солинган халта.

КУЛЁШ *м, р.* **-а́** *обл.* суюқ бўтқа.

КУЛИ *м нескл.* кули (баъзи Осиё мамлакатларида: қора ишчи, ҳаммол).

КУЛИ́К *м, р.* **-а́** балчиқчи (қуш); **всяк ~ своё боло́то хва́лит** *посл.* қуш ўз уясини мақтайди; ҳар кимники ўзига, ой кўринар кўзига.

КУЛИНА́Р *м* пазанда, уста ошпаз.

КУЛИНАРИ́Я *ж* 1 пазандалик, ошпазлик; 2 *собир.* таомлар, овқатлар; овқатликлар, тайёр масаллиқлар.

КУЛИНА́РНЫ/Й, -ая, -ое пазандаликка, ошпазликка оид; **~е ку́рсы** ошпазлик курси; **~е изде́лия** ошпазлик маҳсулотлари.

КУЛИ́С/А *ж* 1 *мн.* **~ы** *театр.* саҳнада ён декорация (шчит, парда); 2 *мн.* **~ы** театр аҳли, артистлар доираси; 3 *тех.* кулиса (ҳаракат йўналишини ўзгартадиган механизм); 4 *с.-х.* ҳимоя (ихота) экинлари (нозик экинларни совуқдан ҳимоя қилиш учун экилган баланд экинлар); ✦ **за ~ами** 1) саҳна орқаси; саҳна орқасида; 2) *перен.* яширинча, зимдан, махфий.

КУЛИ́СНЫ/Й, -ая, -ое 1 *театр.* ён декорацияга оид; 2 *тех.* кулисга оид; кулисали; кулиса...; **~й при́вод** кулисали юритма; 3 *с.-х.* ҳимоя учун экилган (экиладиган); **~е посе́вы** ҳимоя учун экилган экинлар.

КУЛИ́Ч *м, р.* **-а́** кулич (думалоқ ширин нон, калланон).

КУЛИ́ЧК/И: у чёрта на ~ах и **к чёрту** (или **к черти́**) **на ~и** *прост.* дунёнинг нариги бурчагида, бир тупканинг тагида, жуда узоқда, жуда ҳам олис.

КУЛО́Н I *м* кулон (электр токи миқдорининг ўлчов бирлиги).

КУЛО́Н II *м* кулон (бўйинга тақиладиган занжирли асл тош, зийнат буюми).

КУЛТЫ́ШКА *ж, р. мн.* **-шек** *прост. то же, что* **культя́.**

КУЛУА́РНЫ/Й, -ая, -ое кулуарлардаги, норасмий, ғайрирасмий, бекитиқча; **~е бесе́ды** норасмий суҳбатлар; бекитиқча гаплар.

КУЛУА́Р/Ы *мн.* кулуарлар (парламент ёки театр залининг ён томонидаги залар ва коридорлар); ✦ **(бесе́ды) в ~ах** или **(слухи́) из ~ов** кулуардан (эътиборли доиралардан) эшитилган гаплар (миш-мишлар).

КУЛЬ *м, р.* **-ля́** 1 чипта қоп, қоғоз қоп; 2 қоп (турли жойда турлича —5 пуддан 9 пудгача қийматга эга бўлган оғирлик ўлчови); **~ муки́** бир қоп ун.

КУЛЬМИНАЦИО́НН/ЫЙ, -ая, -ое 1 *астр.* кульминацияга оид, кульминациядаги, тик тепага келган, меридиандан ўтаётган (самовий жисмлар ҳолати ҳақида); 2 *перен.* кульминацион, энг авжига чиққан, энг юқори нуқтасига етган (кўтарилган), энг қизиган.

КУЛЬМИНА́ЦИ/Я *ж* 1 *астр.* кульминация (сайёралар, юлдузлар, Қуёш ва Ойнинг меридиандан ўтиш пайти); 2 *перен.* энг авжи, энг юқори нуқтаси; энг юксак даражаси; энг қизиган пайт; долзарб; **дости́гнуть ~и** энг юқори нуқтага кўтарилмоқ, энг авжига чиқмоқ, қизғин пайтга етмоқ.

КУЛЬТ *м* ибодат, топиниш, сиғиниш ва у билан боғлиқ диний маросимлар; **~ Со́лнца** Қуёшга топиниш; 2 *перен. кого-чего* сиғиниш, сажда қилиш; ҳурмат, эҳтиром; **~ красоты́** гўзалликка сажда қилиш; **~ ли́чности** шахсга сиғиниш; ✦ **служи́тели ~а** руҳонийлар.

КУЛЬТИВА́ТОР *м с.-х* культиватор; **ко́нный ~** от культиватори; **тра́кторный ~** трактор культиватори.

КУЛЬТИВАЦИО́ННЫ/Й, -ая, -ое *с.-х.* культивацияга оид; культиватор билан қилинадиган; культивация...; **~е рабо́ты** культивация ишлари.

КУЛЬТИВА́ЦИЯ *ж* культивация, культивация қилиш; **~ хлопча́тника** ғўзани культивация қилиш.

КУЛЬТИВИ́РОВАНИЕ *с* 1 экиш, ўстириш, етиштириш; **~ ри́са** шоли экиш; 2 ўстириш, орттириш, тарбиялаш, ёйиш; расм қилиш, сингдириш; **~ любви́ к чте́нию** ўқишга ҳавас (севги) орттириш.

КУЛЬТИВИ́РОВАТЬ *несов. что* 1 *с.-х.* культивация қилмоқ; **~ кукуру́зу** жўхорини культивация қилмоқ; 2 экмоқ, ўстирмоқ, етиштирмоқ; **~ са́харную свёклу** қанд лав-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лаги экмоқ; 3 ўстирмоқ, орттирмоқ, тарбияламоқ, ёймоқ, расм қилмоқ, ўрнатмоқ, сингдирмоқ; ~ **чу́вство красоты́** гўзаллик туйғусини ўстирмоқ.

КУЛЬТКО́МИССИЯ *ж* маданий-оқартув комиссияси; ~ **месткóма** маҳаллий комитетнинг маданий-маърифий комиссияси.

КУЛЬТМА́ССОВ/ЫЙ, -ая, -ое маданий-оммавий ишларга оид; маданий-оммавий; ~**ая рабóта** маданий-оммавий ишлар.

КУЛЬТО́ВЫ/Й, -ая, -ое ибодат билан боғлиқ бўлган; ибодат...; ~**е сооруже́ния** ибодат иншооти, ибодатхона.

КУЛЬТПОХО́Д *м* маданий юриш; коллектив бўлиб бориш; ~ **в музе́й** музейга коллектив бўлиб бориш.

КУЛЬТПРО́П *м уст.* маданият ва пропаганда бўлими (партия ва совет комитетларида).

КУЛЬТРАБО́ТНИК *м* маданий-оқартув ишларини олиб борувчи ходим; ~ **до́ма о́тдыха** дам олиш уйида маданий дам олиш ишларини олиб борувчи ходим.

КУЛЬТТОВА́Р/Ы *мн.* маданий моллар; **магази́н ~ов** маданий моллар магазини.

КУЛЬТУ́Р/А *ж* 1 маданият (кишилик жамияти ёки бирор халқнинг ишлаб чиқаришда, ижтимоий ва маънавий ҳаётда эришган ютуқлари); **социалисти́ческая** ~**а** социалистик маданият; ~**а Дре́внего Ри́ма** Қадимги Рим маданияти; **буржуа́зная** ~**а** буржуа маданияти; 2 маданият (бирор хўжалик, ақлий меҳнат ёки турмуш соҳасининг ривожланганлик даражаси); ~**а труда́** меҳнат маданияти: ~**а бы́та** турмуш маданияти; ~**а произво́дства** ишлаб чиқариш маданияти; ~**а ре́чи** нутқ маданияти; 3 маданият, маърифат, маданиятлилик, ўқимишлилик; **челове́к высо́кой** ~**ы** юқори маданиятли киши; 4 экиш, ўстириш, етиштириш; ~**а хлопча́тника** пахта экиш (етиштириш); 5 ишлаш, ишлов бериш, ишлов; ~**а по́чвы** ерни ишлаш; 6 экин; **зерновы́е** ~**ы** дон экинлари; **техни́ческие** ~**ы** техника экинлари; 7 сунъий шароитда микроорганизмлар урчитиш ва шу микроорганизмларнинг ўзи; ✦ **физи́ческая** ~**а** жисмоний тарбия.

КУЛЬТУРИ́ЗМ *м* культуризм (гавданинг чиройли ва бақувват бўлиши учун қилинадиган оғир атлетика машқлари системаси).

КУЛЬТУРИ́СТ *м* культурист (культуризм билан шуғулланувчи киши).

КУЛЬТУ́РНИК *м разг. то же, что* **культрабо́тник.**

КУЛЬТУ́РНО-БЫТОВ/О́Й, -а́я, -о́е маданий-маиший; ~**о́е обслу́живание** маданий-маиший хизмат (кўрсатиш).

КУЛЬТУ́РНО-ВОСПИТА́ТЕЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое маданий-тарбиявий; маданий-тарбия...; ~**ая рабо́та** маданий-тарбия ишлари.

КУЛЬТУ́РНО-МАССОВ/ЫЙ, -ая, -ое маданий-оммавий; ~**ые мероприя́тия** маданий-оммавий тадбирлар.

КУЛЬТУ́РНО-ПРОСВЕТИ́ТЕЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое маданий-оқартув; маданий-маърифий; ~**ая рабо́та** маданий-оқартув ишлари; ~**ые учрежде́ния** маданий-оқартув муассасалари.

КУЛЬТУ́РНОСТЬ *ж* маданийлик, маданиятлилик, маданият даражаси; ~ **поведе́ния** хулқ-атворнинг маданийлиги.

КУЛЬТУ́РН/ЫЙ, -ая, -ое; -рен, -рна 1 маданиятга оид, маданий; маданият...; ~**ая револю́ция** маданий инқилоб; ~**ый** подъём маданий савияни (маданият даражасини) ошириш; маданий савиянинг (маданият даражасининг) кўтарилиши; ~**ый у́ровень населе́ния** аҳолининг маданий савияси; ~**ые свя́зи** маданий алоқалар; ~**ое сотру́дничество** маданий ҳамкорлик; 2 маданиятли, маърифатли, кенг маълумотли; ~**ый челове́к** маданиятли киши; 3 *то же, что* **культу́рно-просвети́тельный;** ~**ая рабо́та** маданий-оқартув ишлари; 4 экиладиган, экилган, маданий (ёввойи эмас); ~**ые расте́ния** экиладиган экинлар, маданий экинлар; ~**ый сорт я́блонь** олманинг маданий нави; 5 экин экиб келинадиган (келинган); деҳқончилик қилинадиган; ~**ые зе́мли** экин экиладиган ерлар; ✦ ~**ый слой земли́** *археол.* ернинг маданий қатлами (ернинг одамлар яшаган жойларда органик қолдиқлардан, киши меҳнати чиқитларидан ҳосил бўлган қатлами).

КУЛЬТУРТРЕ́ГЕР *м книжн.* «маданиятпарвар» жаҳонгир (маданият ёйиш, маърифат тарқатиш ниқоби остида қолоқ халқларни эксплуатация қилувчи империалист, мустамлакачи).

КУЛЬТУРТРЕ́ГЕРСКИЙ, -ая, -ое *книжн.* «маърифатпарвар» жаҳонгирларга оид, хос бўлган.

КУЛЬТУРТРЕ́ГЕРСТВО *с книжн.* «маърифатпарварлик» ниқоби остидаги жаҳонгирлик.

КУЛЬТЯ *ж* чўлтоқ, тўмтоқ (қўл ёки оёқ).

КУЛЬТЯ́ПКА *ж, р. мн.* **-пок** *разг. то же, что* **культя́.**

КУМ *м, мн.* **кумовья́** 1 кум (болани чўқинтирган киши, шу боланинг ота-онасига ва чўқинтирган отасига нисбатан); 2 *прост.* и *обл.* қария, отахон, ошна, оғайни, биродар (қарияларнинг бир-бирига мурожаат формаси); **как дела́,** ~**?** ишлар қалай, оғайни?; ✦ ~**королю́** подшога кум, ўзи хон, кўланкаси майдон.

КУМА́ *ж* 1 кума (болани чўқинтирган хотин, шу боланинг ота-онасига ва чўқинтирган онасига нисбатан); 2 *прост.* и *обл.* эгачи (ёши улуғ аёлларнинг бир-бирига мурожаат формаси); 3 *прост. уст.* яқин жувон; ўйнаш; 4 тулкижон (рус эртакларида: тулкининг лақаби).

КУМАНИ́КА *ж* куманика (майда қора ёки қизил мевали бута ва унинг ейишли меваси).

КУМА́Ч *м, р.* **-а́** қизил мато, кумош, алвон.

КУМА́ЧНЫЙ, -ая, -ое *то же, что* **кумачо́вый.**

КУМАЧО́ВЫЙ, -ая, -ое алвонга оид; алвондан қилинган; алвон...; ~ **сарафа́н** алвон сарафан.

КУМЕ́КА/ТЬ *несов. прост.* 1 ўйламоқ, ўйлаб кўрмоқ; **бу́дем ~ть, как поступи́ть** қандай иш тутишни ўйлаб кўрамиз; 2 фарқига бормоқ, билмоқ, тушунмоқ, унча-мунча хабардор бўлмоқ; **в слеса́рном де́ле он ко́е-что ~ет** слесарликни у унча-мунча билади; слесарликдан у унча-мунча хабардор.

КУМИ́Р *м* 1 санам, манот (мажусийларда); 2 *перен.* кўнгил орзуси; бировнинг энг яхши кўрган (сажда қиладиган) кимсаси, нарсаси, жони-дили; **на́шим ~ом был учи́тель литерату́ры** бизнинг энг яхши кўрган ўқитувчимиз адабиёт ўқитувчиси эди; ✦ **созда́ть (или сотвори́ть** и т. п.) **себе́ ~; возвести́ в ~** *кого-что* сажда қилса арзийдиган бирдан-бир кимса (ёки нарса) деб билмоқ, пир қилиб олмоқ.

КУМИ́РНЯ *ж, р. мн.* **-рен** мажусийлар ибодатхонаси, кичкина бутхона.

КУМОВСКО́Й, -а́я, -о́е *разг.* ошна-оғайничиликка асосланган; оғайнигарчилик...

КУМОВСТВО́ *с* 1 кум ва кумалар ўртасидаги муносабатлар; 2 *перен. разг.* ошна-оғайнигарчилик, ошна-оғайниларга (яқинларга, қариндошларга) ён босиш, риоягарчилик қилиш.

КУМУЛЯ́ЦИЯ *ж мед.* кумуляция (дори ёки заҳар моддаларнинг организмда тўпланиб кучли таъсир қилиши).

КУ́МУШКА *ж, р. мн.* **-шек** 1 *ласк. от* **кума́** 2; 2 *перен.* ғийбатчи (гап ташувчи) аёл.

КУМЫК *м* қўмиқ; *см.* **кумы́ки.**

КУМЫКИ́ *мн. (ед.* **кумы́к** *м,* **кумы́чка** *ж)* қўмиқлар (Дағистон АССРда яшовчи халқ).

КУМЫКСКИЙ, -а́я, -о́е қўмиқларга оид; қўмиқ(лар)...; ~ **язы́к** қўмиқ тили.

КУМЫ́С *м* қимиз.

КУМЫСОЛЕЧЕ́БНИЦА *ж* қимиз билан даволаш шифохонаси.

КУМЫСОЛЕЧЕ́НИЕ *с* қимиз билан даволаш.

КУМЫ́ЧКА *ж, р. мн.* **-чек** қўмиқ аёл; *см.* **кумы́ки.**

КУНА́К *м, р.* **-а́** қўноқ, томир, тутинган оғайни (Кавказ халқларида).

КУНА́ЦК/ИЙ, -ая, -ое 1 қўноқларга (томирларга) хос бўлган, дўстона, қўноқларча; қўноқлик...; ~**ие отноше́ния** дўстона муносабат, қўноқлик муносабатлари; 2 *в знач. сущ.* ~**ая** *ж* меҳмонхона.

КУНАЧЕСТВ/О *с* қўноқлик, томирлик (Кавказ халқларида: қўноқлар ўртасидаги муносабатлар); **соблюда́ть зако́ны ~а** қўноқлик қонунларига риоя қилмоқ.

www.ziyouz.com kutubxonasi

КУНГА́С *м* кунгас (Узоқ Шарқ денгизларида: қайиқ тури).

КУНЖУ́Т *м* кунжут.

КУНЖУ́ТН/ЫЙ, **-ая**, **-ое** 1 кунжутга оид; кунжут...; **~ый жмых** кунжут кунжараси; 2 кунжутдан қилинган, кунжутдан олинган; кунжут...; **~ое ма́сло** кунжут ёғи.

КУ́НИЙ, **-ья**, **-ье** *прил. от* **куни́ца** 1 сувсарга оид; сувсар...; **~ след** сувсар изи; **~ мех** сувсар мўйнаси; 2 сувсар мўйнасидан қилинган; сувсар...; **~ воротни́к** сувсар ёқа; 3 *в знач. сущ.* **ку́ньи** *мн. зоол.* сувсарлар (йиртқич сутэмизувчиларнинг бир оиласи).

КУНИ́ЦА *ж* 1 сувсар; 2 сувсар мўйнаси, сувсар.

КУНСТКА́МЕРА *ж уст.* ажойибхона, музей.

КУНТУ́Ш *м, р.* **-а́** кунтуш (қадимги полякча, украинча тўн).

КУ́ПА *ж книжн.* тўп (буталар, дарахтлар тўпи); **~ дере́вьев** бир тўп дарахт.

КУПА́ВА *ж обл. то же, что* **кувши́нка.**

КУПА́ВКА *ж, р.* **-вок** *обл. то же, что* **купа́ва.**

КУПА́ЛЬНЫЙ, **-ая**, **-ое** 1 чўмилишга оид; чўмилиш...; **~ сезо́н** чўмилиш мавсуми; 2 чўмилиш учун белгиланган, чўмиладиган; чўмилиш...; **~костю́м** чўмилиш костюми; **~ хала́т** чўмилганда кийиладиган халат.

КУПА́ЛЬНЯ *ж, р. мн.* **-лен** чўмиладиган жой.

КУПА́ЛЬЩИК *м* чўмилувчи киши.

КУПА́ЛЬЩИЦА *ж см.* **купа́льщик.**

КУПА́НИЕ *с* 1 чўмилиш; чўмилтириш; **~ в реке́** дарёда чўмилиш; дарёда чўмилтириш; 2 чўмиладиган (ёки чўмилишга қулай) жой.

КУПА́/ТЬ *несов.* 1 (*сов.* **вы́купать** и **искупа́ть** II) *кого* чўмилтирмоқ; ювмоқ; **~ть дете́й** болаларни чўмилтирмоқ; **~ть лошаде́й** отларни ювмоқ (чўмилтирмоқ); 2 ботирмоқ, чўмдирмоқ, кўммоқ; **плаку́чая и́ва ~ет ве́тви в ручье́** мажнунтол шохларини сувда ювмоқда (сувга ботирибди).

КУПА́/ТЬСЯ *несов.* 1 (*сов.* **вы́купаться** и **искупа́ться**) чўмилмоқ, сувга кирмоқ; **~ться в мо́ре** денгизда чўмилмоқ; 2 ботмоқ, чўммоқ, кўмилмоқ, кечмоқ, ағанамоқ, чўмилмоқ; **воробьи́ ~лись в песке́** чумчуқлар қумда ағнамоқда эди; ✦ **~ться в крови́** қон тўкмоқ, қонга ботмоқ, хунрезлик қилмоқ; **~ться в зо́лоте** олтинга кўмилмоқ (жуда ҳам бойиб кетмоқ).

КУПЕ́ *с нескл.* купе (темир йўл вагонларида: айрим хона); **двухме́стное ~** икки ўринли купе; **четырёхме́стное ~** тўрт ўринли купе; **заня́ть ме́сто в ~** купеда жой эгаллamoқ (олмоқ).

КУПЕ́ЙНОСТЬ *ж ж.-д.* купелилик; купе...; **допла́та за ~** купе учун олинадиган қўшимча ҳақ.

КУПЕ́ЙНЫЙ, **-ая**, **-ое** *ж.-д. то же, что* **купи́рованный.**

КУПЕЛЬ *ж церк.* жом, тоғора (болани сувга ботириб чўқинтириладиган катта идиш).

КУПЕ́Ц *м, р.* **-пца́** 1 савдогар; тожир (*эск.*) бозиргон (*эск.*); кўпас (*с. т. эск.*); 2 *уст.* харидор; 3 савдо кемаси.

КУПЕ́ЦКИЙ, **-ая**, **-ое** *прост. уст.* савдогарларга оид; савдогар(лар)...

КУПЕ́ЧЕСК/ИЙ, **-ая**, **-ое** 1 савдогарларга оид; савдогар(лар)...; **~ое сосло́вие** савдогарлар тоифаси; 2 савдогарларга хос бўлган; савдогарларча; савдогарлик...; **~ие взгля́ды** савдогарларча қарашлар, савдогарлик руҳи.

КУПЕ́ЧЕСТВО *с* савдогарлар; савдогарлар аҳли, тоифаси.

КУПИДО́Н *м* 1 *миф.* севги тангриси ва унинг ҳайкалчаси; 2 *уст.* хушрўй бола, барно йигит.

КУПИ́РОВАННЫЙ, **-ая**, **-ое** купели, купеларга ажратилган; **~ ваго́н** купели вагон.

КУПИ́/ТЬ, **куплю́**, **ку́пишь** *сов.* (*несов.* **покупа́ть**) 1 *кого-что* сотиб олмоқ, харид қилмоқ; **~ кни́гу** китоб сотиб олмоқ; **~ биле́ты** билет олмоқ; **~ть муки́** ун сотиб олмоқ; 2 *кого-что* пора бериб сотиб олмоқ, ўзига қаратиб (мойил қилиб) олмоқ; ўз томонига оғдирмоқ; 3 *перен. кого-что чем разг.* мафтун (жазб) қилмоқ, тортмоқ; **он нас ~л свои́м трудолю́бием** у ўз меҳнатсеварлиги билан бизни ўзига тортди; 4 *карт.* қўшимча қарта олмоқ; ✦ **за что ~л, за то и прода́л** *погов.* эшитганимни айтяпман (лекин аниқ билмайман).

КУПЛЕ́Т *м* 1 куплет, банд (шеърда, ашулада); **спеть ~ из рома́нса Чайко́вского** Чайковскийнинг романсидан бир куплет куйлаб бермоқ; 2 *мн.* **~ы** лапар, куплет (актуал темалардаги танқидий-сатирик қўшиқлар); **исполни́тель ~ов** куплет айтувчи, куплетчи.

КУПЛЕ́ТИСТ *м* куплет айтувчи (куплетчи) артист.

КУПЛЕ́ТИСТКА *ж, р. мн.* **-ток** куплет айтувчи аёл.

КУПЛЯ *ж* **сотиб олиш, харид қилиш, харид;** ✦ **~-прода́жа** олди-сотди савдоси; олиб-сотиш; олди-сотди.

КУПНО *нареч. уст.* бирга, биргаликда, биргалашиб.

КУПОЛ *м, мн.* **-а́** *прям.* и *перен.* гумбаз, қубба; **~ це́ркви** черков гумбази; **~ обсервато́рии** обсерватория гумбази; **небе́сный ~** осмон гумбази; **~а́ гор** тоғ қуббалари; **~ парашю́та** парашют қуббаси.

КУПОЛОВИДНЫЙ, **-ая**, **-ое**; **-ден**, **-дна** гумбазсимон, қуббага ўхшаган, қубба.

КУПОЛООБРА́ЗНЫЙ, **-ая**, **-ое**; **-зен**, **-зна** *то же, что* **куполови́дный.**

КУПО́ЛЬНЫЙ, **-ая**, **-ое** гумбазга оид; гумбаз...

КУПО́Н *м* купон (1 процентли қимматбаҳо қоғозларнинг кесиб олинадиган талони; **~ облига́ции** заём купони; 2 *уст. театр.* ложага бир кишилик билет; 3 гули бир тахлитда жойлашган бир кийимлик газлама; **~ на же́нское пла́тье** аёллар кўйлаги учун бир кийимлик тайёр газмол).

КУПО́ННЫ/Й, **-ая**, **-ое** 1 купонга оид, купон бўйича олинадиган (даромад ҳақида); 2 купон ҳолидаги, купон қилиб чиқарилган; купон...; **~е тка́ни** купон ҳолидаги газмоллар, купон газмоллар.

КУПОРО́С *м* купорос (сульфат кислота тузларининг техникадаги номи); **желе́зный ~** темир купороси; **ме́дный ~** мис купороси, тутиё.

КУПОРО́СИТЬ, **-о́шу**, **-о́сишь** *несов. разг. что* купорос билан ишлов бермоқ.

КУПОРО́СН/ЫЙ, **-ая**, **-ое** купоросга оид; купоросли; купорос...; **~ое ма́сло** купорос мойи (концентрацияланган сульфат кислотасининг эски номи).

КУ́ПЧАЯ *ж то же, что* **~ кре́пость** *см.* **ку́пчий.**

КУ́ПЧ/ИЙ: ~ая кре́пость васиқа (мол-мулк сотиб олганлик ҳақидаги расмий ҳужжат).

КУПЧИ́К *м разг.* ёш савдогар; савдогарвачча, савдогар боласи.

КУПЧИ́ХА *ж* 1 савдогар хотини; 2 савдогар хотин; савдогарлар табақасига мансуб аёл.

КУПЮР/А I *ж* 1 қисқартиш, қисқартма (адабий, илмий ёки мусиқий асарнинг қисқартирилган, тушириб қолдирилган жойи); **«Снегу́рочку» дава́ли целико́м, без ~ы** (Римский-Корсаков) «Снегурочка» купюрасиз, тўлиқ қўйиларди.

КУПЮР/А II *ж фин.* купюра (қимматли қоғоз, масалан, пул, заём ва ш. к. нинг айрим донаси); **кру́пные ~ы за́йма** заёмнинг йирик купюралари; **пятирублёвая ~а** беш сўмлик купюра.

КУР *м уст.* и *обл.* хўроз; ✦ **попа́сть как ~ во́ щи** кутилмаган мушкул аҳволга тушмоқ (тушиб қолмоқ); қўлга тушмоқ.

КУРА *ж прост. то же, что* **ку́рица.**

КУРАГА *ж* баргак (данаксиз туршак).

КУРАЖ *м, р.* **-а́** и **-у́** *уст.* дадиллик, бетакаллуфлик, ўзини эркин тутиш; ✦ **быть в ~е́** *прост.* сархуш (ширакайф) бўлмоқ.

КУРАЖИ́ТЬСЯ *несов. прост.* 1 сурбетлик (шилқимлик) қилмоқ, ҳаддан ошмоқ, чегарадан чиқмоқ; 2 мақтанчоқлик қилмоқ, мақтанмоқ, катта кетмоқ; 3 ноз қилмоқ, таранг қилмоқ.

КУРА́К *м, р.* **-а́** кўрак.

КУРАКОУБО́РОЧН/ЫЙ, **-ая**, **-ое** кўрак юладиган; **~ая маши́на** кўрак юладиган машина.

КУРА́НТ *м спец.* бўёқ янчадиган тош, даста, ҳовонча дастаси, сопи.

КУРА́НТ/Ы *мн.* курант (деворий ёки минора соати); **Кремлёвские ~ы** Кремль куранти; **бой ~ов** курантнинг бонги (бонг уриши).

КУРА́ТОР *м* 1 куратор, нозир, мутасадди; 2 куратор (касалга қараб туриш учун биркитилган медик студент); 3 *уст.* васий.

www.ziyouz.com kutubxonasi

КУРАТОРСКИ/Й, -ая, -ое кураторга оид; кураторлик...; куратор...; **~е обя́занности** кураторлик вазифалари; кураторнинг вазифалари.

КУРА́ТОРСТВО *с* кураторлик.

КУРБЕ́Т *м* 1 отнинг олдинги оёқларини букиб сакраши; 2 *разг.* акробатикада, рақсда: ғалати сакраш; 3 *перен. разг.* келишмаган қилик, кутилмаган ҳаракат, ҳунар; **вы́кинуть ~** келишмаган қилиқ қилмоқ, ҳунар кўрсатмоқ.

КУРГА́Н *м* 1 қадим замондан қолган гўр, гўртепа, мозор, қабр; **ски́фские ~ы** скиф қабрлари; 2 тепа, тепалик; **степны́е ~ы** дашт тепаликлари, даштдаги тепаликлар; 3 *уст.* тупроққўрғон, қўрғонтепа, шоштепа; **сторожево́й ~** қоровултепа.

КУРГА́ННЫЙ, -ая, -ое 1 қадимги гўртепага, қабрга оид; 2 тепаликка, тепага оид; тепа...; тепалик...

КУРГУ́ЗЫЙ, -ая, -ое *разг.* 1 думи калта, думи кесик, чўлтоқ, калтадум; **~ щено́к** думи чўлтоқ (калтадум) кучук; 2 жуда калта, қисқа, тор, чоғ (кийим ҳақида); **~ пиджа́к** жуда калта пиджак; чоғ пиджак; 2 пакана, пастак, пастбўй.

КУРД *м* курд; *см.* **ку́рды.**

КУ́РДСКИЙ, -ая, -ое курдларга оид; курд(лар)...; **~ язы́к** курд тили.

КУ́РДЫ *мн.* (*ед.* **курд** *м,* **курдя́нка** *ж*) курдлар, курд халқи (Эрон, Туркия, Ироқ, Сурия, қисман СССР территориясида яшовчи эроний халқ).

КУРДЮ́К *м, р.* **-а́** думба, қуйруқ.

КУРДЮ́ЧН/ЫЙ, -ая, -ое думбага оид; думбали; думба...; **~ые о́вцы** думбали қўйлар; **~ое са́ло** думба ёғи, қуйруқ мойи.

КУРДЯ́НКА *ж, р. мн.* **-нок** курд аёл; *см.* **ку́рды.**

КУ́РЕВО *с* 1 *разг.* тамаки, чекимлик; чекиладиган нарса; **запасти́сь на доро́гу ~м** йўлга тамаки (чекишлик) ғамламоқ; 2 тамаки (папирос, чилим ва ҳ. к.) тутуни; 3 тутатқи (исириқ, ладан ва ҳ. к.); **~ для пчёл** асаларини қочириш учун ёқилган тутатқи; 4 ғубор, буғ, туман; **~ над о́зером** кўл устидаги туман; 5 *обл.* буруқсамоқ (бурқираган) гулхан, тутун; **развести́ ~ от комаро́в** чивинни ҳайдаш учун гулхан тутатмоқ.

КУРЕ́НИЕ *с* 1 *по гл.* **кури́ть; ~ сигаре́т** сигарет чекиш; **~ спи́рта** спирт тортиш (ҳайдаш); 2 тутатқи (исириқ, ладан ва ҳ. к.); **благово́нное ~** хушбўй тутатқи.

КУРЕНН/О́Й, -а́я, -о́е 1 *прил. от* **куре́нь** 2, 3; 2 *в знач. сущ.* **~о́й** *м то же, что* **~о́й атама́н;** ✦ **~о́й ата́ман** курень атамани.

КУРЕ́НОК *м, р.* **-нка,** *мн.* **-ря́та** *обл.* жўжа.

КУРЕ́НЬ *м, р.* **-ня́** 1 *обл.* чайла, капа (полизда, далада); 2 *обл.* Дон ва Кубанда: уй; 3 *ист.* курень (запорожьелик казак қўшининнинг айрим қисми ва унинг ўрнашган, қўш ташлаган жойи).

КУРЗА́Л *м* курзал (курортда концерт, лекция ва ш. к. учун белгиланган зал).

КУРИА́ЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое *прил. от* **ку́рия** курияга оид; курия...; **~ая систе́ма вы́боров** сайловчилар курияларга (табақаларга) бўлинадиган сайлов системаси.

КУ́РИЙ, -ья, -ье *обл. то же, что* **кури́ный;** ✦ **избу́шка на ку́рьих но́жках** 1) *нар.-поэт.* ялмоғиз кампир уйи (рус халқ эртакларида); 2) омонат уй, зўрға турган уй.

КУРИ́ЛКА *ж, р. мн.* **-лок** 1 *разг. то же, что* **кури́тельная;** 2 *м* и *ж шутл.* кашанда; ✦ **жив ~!** ҳали ҳам бор (омон, ҳаёт)!

КУРИ́ЛЬНИЦА *ж* тутатқи солинадиган идиш; исириқдон.

КУРИ́ЛЬНЫЙ, -ая, -ое *уст. то же, что* **кури́тельный.**

КУРИ́ЛЬЩИК *м* кашанда одам, чекадиган киши, бирор нарса чекувчи.

КУРИ́ЛЬЩИЦА *ж см.* **кури́льщик.**

КУРИ́Н/ЫЙ, -ая, -ое 1 товуққа оид; товуқ...; **~ое перо́** товуқ пати; **~ое куда́хтанье** товуқнинг қақағлаши; 2 товуқ гўштидан тайёрланган; товуқ...; **~ые котле́ты** товуқ котлет; **~ый бульо́н** товуқ шўрва; 3 *в знач. сущ.* **~ые** *мн. зоол.* товуқлар туркуми; ✦ **~ая грудь** товуққўкрак, туртиб чиққан, икки ёни ботиқ (кўкрак қафаси); **~ая па́мять** *разг.* хотираси сустлик; **~ая слепота́** 1) шабкўрлик; 2) *бот. то же, что* **куросле́п.**

КУРИ́РОВАТЬ *несов. что* назорат қилмоқ; **~ рабо́ту институ́та** институт ишини назорат қилмоқ.

КУРИ́ТЕЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое 1 чекишга оид; чекиш учун белгиланган, чекиладиган; чекиш...; чекишли; **~ая ко́мната** чекиш хонаси; **~ый таба́к** чекишли тамаки; **~ая бума́га** папирос қоғоз; 2 *в знач. сущ.* **~ая** *ж* чекиш хонаси.

КУРИ́ТЬ, курю́, ку́ришь *несов.* 1 (*сов.* **курну́ть**) *что* и *без доп.* чекмоқ, тортмоқ; **хо́чется ~** чекким келяпти; **бро́сить ~** чекишни ташламоқ; **~ папиро́сы** папирос чекмоқ; **~ тру́бку** трубка тортмоқ; 2 *что* и *чем* тутатқи солмоқ, тутатмоқ; **~ ла́даном** ладан тутатмоқ; 3 *что* ҳайдамоқ, тортмоқ, олмоқ; **~ смолу́** смола ҳайдамоқ; ✦ **~ фимиа́м** *кому см.* **фимиа́м.**

КУРИ́ТЬСЯ, ку́рится *несов.* 1 буруқсамоқ, биқсимоқ, тутамоқ, биқсиб (тутаб) ёнмоқ; **костёр ещё ку́рится** гулхан биқсиб ёняпти (тутаяпти); 2 *чем* тутун (ёки буғ) чиқармоқ; буғланиб (дудланиб, тутаб) турмоқ; **вулка́н ку́рится** вулкандан тутун чиқиб турипти; **река́ кури́лась тума́ном** дарё буғланиб туман билан қопланмоқда эди; 3 бурқирамоқ, тўзғимоқ, бурқираб кўтарилмоқ; **над доро́гой кури́лась пыль** йўл устида чанг бурқирар эди; 4 *страд. от* **кури́ть** 1.

КУ́РИЦ/А *ж, мн.* **ку́рицы** и **ку́ры** 1 товуқ; **дома́шние ку́ры** уй товуқлари; **~а-несу́шка** яхши (кўп) тухум қиладиган товуқ; 2 товуқ гўшти; **холо́дная ~а** яхна товуқ гўшти; **лапша́ с ~ей** товуқ гўшти солинган угра ош; 3 макиён, мода (баъзи қушларнинг урғочиси); **фаза́нья ~а** макиён тустовуқ; ✦ **мо́края ~а** 1) бўшанг (шалпайган, шалвираган) одам; 2) иродасиз одам; **слепа́я ~а** шабкўр одам, кўзи яхши кўрмайдиган одам; **писа́ть, как ~а ла́пой** қинғир-қийшиқ (ажи-бужи) ёзмоқ; **ку́рам на́ смех** ҳеч бир келишмаган, кулги бўладиган, кулгили (иш, гап); **де́нег ку́ры не клюю́т** *см.* **клева́ть.**

КУ́РИЯ *ж* ку́рия (1 *ист.* қадимги Римда: бир неча патриций уруғларининг бирлашмаси; 2 буржуа мамлакатларида ва революциядан илгариги Россияда: сайловчиларнинг мулкий, миллий ва б. аломатларга қараб табақаларга бўлиниши); ✦ **па́пская ~** Рим папаси ҳокимиятининг марказий органлари; **феода́льная ~** ўрта асрларда сеньорнинг ўз вассаллари билан кенгаши.

КУРКО́В/ЫЙ, -ая, -ое тепкига оид; тепкили; тепки...; **~ое ружьё** тепкили милтиқ; **~ая пружи́на** тепки пружинаси.

КУРКУ́ЛЬ *м, р.* **-ля́** бой деҳқон, қулоқ (Украинада).

КУРЛЫ́КАНЬЕ *с* қурқураш (турна овози).

КУРЛЫ́КАТЬ, -ает и **-лы́чет** *несов.* қурқурамоқ (турна ҳақида).

КУ́РН/О́Й, -а́я, -о́е мўрисиз; **~а́я ба́ня** мўрисиз ҳаммом; **~а́я изба́** мўрисиз уй.

КУРНО́С/ЫЙ, -ая, -ое *разг.* 1 пучуқ; қанқайган; **~ый нос** пучуқ бурун; қанқайган бурун; 2 бурни пучуқ; бурни қанқайган, қаншари паст; **~ая де́вочка** пучуқ қиз, бурни қанқайган қиз.

КУРНУ́ТЬ *сов. разг. см.* **кури́ть** 1.

КУРОВО́Д *м* товуқчилик мутахассиси.

КУРОВО́ДСТВО *с* товуқчилик, товуқ асраш.

КУРОВО́ДЧЕСК/ИЙ, -ая, -ое товуқчиликка оид, товуқчилик билан шуғулланадиган; товуқчилик...; **~ая фе́рма** товуқчилик фермаси.

КУРО́К *м, р.* **-рка́** тепки; **~ винто́вки** милтиқ тепкиси; **спусти́ть ~** тепкини босмоқ; **взвести́ ~** тепкини кўтармоқ.

КУРОЛЕ́СИТЬ, -е́шу, -е́сишь *несов.* (*сов.* **накуроле́сить**) *прост.* тўполон қилмоқ, шўхлик қилмоқ; чуввос солмоқ, гурпайлашмоқ.

КУРОПА́ТКА *ж, р.* **-ток** 1 каклик; **бе́лая ~** оқ каклик; **го́рная** (или **ка́менная**) **~** каклик, тоғ каклик; **се́рая ~** чил каклик; 2 каклик гўшти; **жа́реная ~** қовурилган каклик гўшти.

КУРОПА́ТКОВЫ/Й, -ая, -ое какликка оид; каклик...; **~е я́йца** каклик тухумлари.

КУРО́РТ *м* курорт; **~ы Кавка́за** Кавказ курортлари; **водоле́чебный ~** сув билан даволайдиган курорт; **грязево́й ~** балчиқ билан даволайдиган курорт; **лечи́ться на ~е** курортда даволанмоқ.

КУРО́РТНИК *м разг.* курортда даволанаётган киши.

www.ziyouz.com kutubxonasi

КУРО́РТНИЦА *ж разг.* курортда даволанаётган аёл.

КУРО́РТН/ЫЙ, **-ая**, **-ое** курортга оид; курорт...; **~ая ме́стность** курорт жой; **~ый сезо́н** курорт мавсуми; **~ое лече́ние** курортда даволаш (даволаниш).

КУРО́РТОЛОГ *м* курортолог, курортология мутахассиси; **врач-~** курортолог врач.

КУРОРТОЛО́ГИЯ *ж* курортология (курортларнинг шифобахш хусусиятларини ўрганадиган фан).

КУРОСЛЕП *м бот.* айиқтовон.

КУ́РОЧКА *ж, р. мн.* **-чек** 1 *уменьш. от* **ку́рица** кичкина товуқ; 2 макиён, мода; **фаза́нья ~** тустовуқнинг макиёни; ✦ **водяна́я** (или **боло́тная**) **~** ғозқанжир; **го́рная ~** тоғ товуғи.

КУРС *м* 1 йўл, йўналиш, курс (кема, самолёт ва ш. к. нинг йўналиши, тутган йўли); **взять ~ на се́вер** шимолга йўл олмоқ; **потеря́ть ~** йўлдан адашмоқ, йўлни йўқотмоқ; **сби́ться с ~а** йўлдан (курсдан) чиқиб кетмоқ; **измени́ть ~** йўлни (курсни) ўзгартирмоқ; **лечь на ~** белгиланган йўлга (курсга) тушиб олмоқ; 2 *перен.* тутган (тутилган) йўл, йўналиш (ишда, амалда, сиёсатда); **~ на индустриализа́цию страны́** мамлакатни индустриаллаштириш йўли; 3 курс (бирор фан бўйича олий мактабда ўтиладиган билим ҳажми; шу ҳажмда ёзилган дарслик); **~ исто́рии СССР** СССР тарихи курси; **~ фи́зики** физика курси; 4 курс, таҳсил (тўлиқ ўқув муддати); **~ сре́дней шко́лы** ўрта мактаб курси; **он ко́нчил ~ в МГУ** у МДУда таҳсил кўрди, у МДУни битирди; 5 курс, ўқиш йили, босқичи; **студе́нт пе́рвого ~а институ́та** институтнинг биринчи курс студенти; 6 *мн.* **~ы** курс (баъзи ўқув юртларининг номи); **~ы усоверше́нствования учителе́й** ўқитувчиларнинг малакаларини ошириш курслари; **~ы кро́йки и шитья́** бичувчилик ва тикувчилик курслари; **~ы шофёров** шофёрлар курслари; 7 *мед.* курс, давр да (тўлиқ процедуралар мажмуи); **~ лече́ния** даволаниш курси, бир курс даво олиш; **пройти́ ~ физиотерапи́и** физиотерапиядан бир курс (бир давра) даво олмоқ, 8 *фин.* курс, қадр; **~ сове́тского рубля́** совет сўмининг (пулининг) курси (қадри); **биржево́й ~** биржа курси, биржадаги баҳоси; **~ це́нных бума́г** қимматбаҳо қоғозлар курси; ✦ **быть в ~е** *чего* хабардор бўлмоқ, воқиф бўлмоқ, билмоқ; **ввести́ в ~ де́ла** хабардор қилмоқ, таништирмоқ; **держа́ть в ~е** *чего* хабардор қилиб турмоқ.

КУРСА́НТ *м* 1 курсант, курс ўқувчиси; 2 курсант (ҳарбий билим юрти талабаси); **~ общевойскового́ учи́лища** умумқўшин билим юрти курсанти.

КУРСА́НТКА *ж, р. мн.* **-ток** *см.* **курса́нт** 1.

КУРСА́НТСК/ИЙ, **-ая**, **-ое** курсантга оид; курсант(лар)...; **~ое общежи́тие** курсантлар ётоқхонаси; **~ая фо́рма** курсантлар формаси.

КУРСИ́В *м полигр.* курсив (қия босма ҳарф); **набра́ть ~ом** курсив билан термоқ.

КУРСИ́ВНЫЙ, **-ая**, **-ое** курсивга оид, курсив билан терилган (ёзилган), курсив...; **~ шрифт** курсив шрифт, курсив ҳарф.

КУРСИ́Р/ОВАТЬ *несов.* 1 қатнамоқ, қатнаб турмоқ, юрмоқ; **авто́бус ~ует ме́жду Ташке́нтом и Самарка́ндом** автобус Тошкент билан Самарқанд орасида қатнайди.

КУРСИ́СТ *м уст.* курсист, курс ўқувчиси.

КУРСИ́СТК/А *ж, р. мн.* **-ток** курсистка (революциядан илгариги Россияда: хотин-қизлар олий ўқув юртининг толибаси).

КУРСО́ВК/А *ж, р. мн.* **-вок** курсовка (санаторийда қатнаб даволаниш ва овқатланиш ҳуқуқини берадиган путёвка); **лечи́ться по ~е** курсовка билан даволанмоқ.

КУРСО́В/ОЙ, **-а́я**, **-о́е** 1 курсга (йўлга, йўналишга) оид; курс...; **~о́й маршру́т** курсда белгиланган маршрут; 2 курсга оид, курсда бўладиган, курс...; **~ы́е экза́мены** курс имтиҳонлари; **~о́е собра́ние** курс мажлиси; 3 *фин.* курсга (қадрга) оид; курс...; **~а́я цена́ а́кций** акцияларнинг курс баҳоси (курси, қадри); **~а́я табли́ца валю́т** пулларнинг курс жадвали.

КУРСО́ВОЧНИК *м разг.* курсовка билан даволанаётган киши.

КУРСО́ВОЧНЫЙ, **-ая**, **-ое** курсовкага оид, курсовкали, курсовка билан келган; **~ больно́й** курсовка билан келган бемор.

КУРСО́РН/ЫЙ: **~ое чте́ние** тафсилотга берилмасдан тез ўқиш (чет тилларни ўрганишда).

КУ́РТАГ *м уст.* қабул, қабул куни (Россияда подшо саройида).

КУРТА́Ж *м* капиталистик мамлакатларда: ширинкома, даллоллик (воситачилик) ҳақи.

КУРТА́ЖНЫЙ, **-ая**, **-ое** куртажга, ширинкомага оид.

КУРТИЗА́НИТЬ *несов. уст.* бировнинг кетидан юрмоқ, кўнглини олмоқ; тегишмоқ.

КУРТИЗА́НКА *ж, р. мн.* **-нок** *уст.* куртизанка (юқори табақалар доирасида ўралашиб юрувчи суюқоёқ хотин).

КУ́РТИНА *ж* 1 *уст.* гулхона, гулзор; 2 бир хилдаги дарахтлар экилган жой; бир хилдаги тўп-тўп дарахт; **вишнёвая ~** олчазор, бир тўп олча дарахти; 3 *воен. уст.* тупроққўрғоннинг икки қалъа ўртасидаги қисми.

КУ́РТКА *ж, р.* **-ток** куртка, калта камзул; **ко́жаная ~** чарм куртка.

КУ́РТОЧКА *ж, р. мн.* **-чек** *уменьш.-ласк. от* **ку́ртка** курткача; болалар курткаси.

КУРТУА́ЗН/ЫЙ, **-ая**, **-ое** жуда мулойим, назокатли, хушмуомала; ✦ **~ая литерату́ра** ўрта асрларда Ғарбий Европада рицарликни тараннум қилган сарой адабиёти.

КУРУЛТА́Й *м* курултой.

КУРФЮРСТ *м* курфюрст (кадимги Германияда: император сайлаш ҳуқуқига эга бўлган давлатманд князь).

КУРЧА́ВИТЬ, **-влю**, **-вишь** *несов. что* жингалак қилмоқ; **~ во́лосы** сочни жингалак қилмоқ.

КУРЧА́ВИТЬСЯ, **-ится** *несов.* жингалакланмоқ, жингалак-жингалак бўлмоқ, қўнғироқ-қўнғироқ бўлиб турмоқ; бурмаланмоқ.

КУРЧА́ВОСТЬ *ж* жингалаклик; **~ воло́с** сочларнинг жингалаклиги; **~ ли́стьев** барглариниг бурмалари.

КУРЧА́В/ЫЙ, **-ая**, **-ое** 1 жингалак, қўнғироқ, фатила-фатила; **~ые во́лосы** жингалак сочлар; **~ая боро́дка** жингалак соқол; 2 сочи жингалак, жингалаксоч, жингалак сочли (одам ҳақида); жингалак жунли, барра (ҳайвон ҳақида); **~ый малы́ш** жингалаксоч бола; **~ый ягнёнок** жингалак қўзи, барра қўзи; 3 сададай бўлиб турган, сада; барра тўп; **Ря́дом, на обо́чине доро́ги, стоя́ла ~ая молода́я со́сенка** (Б. Полевой) Кўчанинг шундайгина четида сададай ёш қарағай бор эди

КУРЧАТО́ВИЙ *м* курчатовий (сунъий йўл билан ҳосил қилинган радиоактив химиявий элемент).

КУРЧО́НОК *м, р.* **-нка**, *мн.* **-ча́та** *разг.* жўжа.

КУ́РЫ I *см.* **ку́ра**, **ку́рица**.

КУ́РЫ II: **стро́ить ~** *кому уст. шутл.* хушомад қилмоқ, кўз сузмоқ, кетидан юрмоқ, кўнглини олишга (ёқишга) ҳаракат қилмоқ.

КУРЬЁЗ *м* ғалати воқеа, кулгили ҳодиса, қизиқ иш, ҳангама; ✦ **для** (или **ра́ди**) **~а** қизиқчиликка, ҳангама учун.

КУРЬЁЗНЫЙ, **-ая**, **-ое**; **-зен**, **-зна** қизиқ, ажиб, тааж-жуб, ғалати, кулгили, ажойиб-ғаройиб; **~ слу́чай** ғалати воқеа; тааж-жуб ҳол.

КУРЬЕ́Р *м* 1 курьер, хат ташувчи (идора хизматчиси); 2 чопар, хабарчи; **посыла́ть ~а** чопар юбормоқ; **дипломати́ческий ~** дипломатик курьер (дипломатик ҳужжатлар ташувчи ходим).

КУРЬЕ́РСКИ/Й, **-ая**, **-ее** 1 *прич. от* **курьери́ть**; 2 *в знач. прил.* курьерга оид; курьерлик...; курьер...; **~е обязанности** курьер (курьерлик) вазифалари; ✦ **~й по́езд** курьер поезди (энг тез юрадиган поезд); **~е ло́шади** *уст.* чопарлар учун белгиланган отлар; **как на ~х** шитоб билан, жуда тез, шошилинч.

КУРЯ́ТИНА *ж* товуқ гўшти; **жа́реная ~** қовурилган товуқ гўшти.

КУРЯ́ТНИК *м* 1 товуқхона, товуқ катаги; 2 товуқхўр, товуққа ўч; **я́стреб-~** товуқхўр қарчиғай.

КУРЯ́ТНИЦА *ж* 1 товуқбоқар (паррандабоқар) аёл; 2 *то же, что* **курята́ник** 2; **лиси́ца-~** товуқхўр тулки.

КУРЯЩИЙ, **-ая**, **-ее** 1 *прич. от* **курити́ть**; 2 *в знач. прил.* чекувчи, чекадиган; **~ челове́к** чекадиган (чекувчи) одам; 3 *в знач. сущ.* **~м** чекувчи, кашанда; 4 *в знач. прил. разг.* чекса бўладиган, чекиш мумкин бўлган, чекувчилар учун белгиланган; **~ ваго́н** чекувчилар вагони, чекувчилар учун белгиланган вагон.

www.ziyouz.com kutubxonasi

КУС *м прост.* бурда, парча, бўлак; ~ **хлéба** (бир) бурда нон; ~ **сáла** бир бўлак ёғ (думба).

КУСАКА *м* и *ж прост.* тишлонғич; қопағон.

КУСА́/ТЬ *несов.* (*сов.* **кусну́ть**) *кого-что* 1 тишламоқ, қопмоқ, тишлаб олмоқ; 2 чақмоқ, чақиб олмоқ; **óсы бóльно ~ют** арилар қаттиқ (ёмон) чақади; 3 чўқимоқ, чўқиб олмоқ; 4 тишламоқ, тишлаб қолмоқ, тишлаб олмоқ; **~ть гýбы от волнéния** ҳаяжондан лабини тишламоқ; 5 *разг.* ачитмоқ, ловуллатмоқ, қичитмоқ, чимчимоқ, чақмоқ, узиб олмоқ, таламоқ; **крапúва ~ет** қичитқи ўт чақади (ачитади); **моро́з ~ет за́ уши** совуқ қулоқларни ачитяпти; **кóфта ~ет** кофта баданни қичитяпти (талаяпти); 6 тишлаб емоқ, тиш билан узмоқ (ёки синдирмоқ); **~ть са́хар** қанддан тишламоқ; 7 қирқмоқ, узмоқ, кесмоқ (бирор асбоб билан); **~ть про́волоку куса́чками** симни омбир билан қирқмоқ; ✦ **~ть (себе́) ло́кти** пушаймон қилмоқ, доғда қолмоқ.

КУСА́/ТЬСЯ *несов.* 1 қолмоқ, тишламоқ, қопағон (тишлоғич) бўлмоқ; **охóтничьи соба́ки обы́чно не ~ются** овчи итлар одатда тишламайди (қопмайди); 2 бир-бирини тишламоқ (чайнамоқ), ғижиллашмоқ, ғажишмоқ; 3 *перен. разг.* таламоқ, ботмоқ, қитиқламоқ, ғашини келтирмоқ; **сви́тер ~ется** (бу) свитер баданга ботар (баданни талар) экан; 4 *перен. разг.* чақмоқ, қиммат бўлмоқ, қимматлик қилмоқ; **Говя́динка-то ны́не ~ется... четы́ре ру́блика... за пуд** (Салтыков-Щедрин) Мол гўштининг ҳозир бозори чаққон... пути тўрт сўм...

КУСА́ЧИЙ, -ая, -ее *прост.* қопағон, тишлоғич.

КУСА́ЧКИ *мн., р.* **-чек** ўткир жағли омбир.

КУСКОВО́Й, -а́я, -о́е бўлак-бўлак, парча-парча, бурда-бурда, бўлинган, чақмоқланган; кесик, кулча; ~ **са́хар** кесик (кесак-кесак) қанд

КУСНУ́ТЬ *сов. однокр. см.* **куса́ть.**

КУСО́К *м, р.* **-ска́** 1 бўлак, парча, бурда, кесик, кесак япроқ; ~ **пирога́** бир бўлак пирог; ~ **лепёшки** бир бурда нон; ~ **сы́ра** бир парча (япроқ) сир; ~ **мя́са** бир парча гўшт; **разби́ть на куски́** парчаламоқ, парча-парча қилмоқ; 2 қисм, бўлак, парча; ~ **земли́** бир бўлак (парча) ер, ернинг бир бўлаги; ~ **жи́зни** ҳаётнинг (умрнинг) бир қисми; 3 *перен. разг.* ризқ-рўз, озиқ-овқат, бир бурда нон; **име́ть свой** ~ ўзининг бир бурда нонига эга бўлмоқ; 4 бўлак, дона, чақмоқ, кулча (донали нарсалар ҳақида); ~ **са́хара** бир бўлак қанд; бир чақмоқ қанд; ~ **мы́ла** бир бўлак совун, бир кулча совун; 5 бир кесик, тўп (газмол ҳақида); ~ **шёлка** бир кесик шойи; ~ **сукна́** бир тўп мовут, мовут тўпи; ✦ ~ **хле́ба** *то же, что* **кусо́к** 3; **ла́комый** ~ *см.* **ла́комый;** ~ **в го́рло не идёт (не ле́зет)** томоқдан овқат (сув ҳам) ўтмаяпти, юракка қил сиғмайди; **собира́ть куски́** садақа сўрамоқ, тиланчилик қилмоқ; **урва́ть** ~ катта (мўмай) қисмини уриб кетмоқ, юлиб олмоқ, ўлжа қилмоқ.

КУСТ *м, р.* **-а́** 1 *тип;* ~ **ро́зы** атиргул тупи; бир туп атиргул; **~ы хлопча́тника** ғўза туплари; **~ы клубни́ки** қулупнай туплари; 2 *перен.* куст, бирлашма; ✦ **спря́таться (или уйти́) в ~ы́** ўзини панага (четга) олмоқ, ўзини олиб, қўриққа қочмоқ; **смотре́ть в ~ы́** ҳадиксирамоқ, чўчимоқ, қочишга жўпламоқ, жуптакни ростламоқ.

КУСТА́РНИК *м* 1 бута, бута ўсимлик; 2 *собир.* бутазор, чангалзор; чангал.

КУСТА́РНИКОВ/ЫЙ, -ая, -ое 1 бутага оид; бута...; **~ые за́росли** бутазор, чангалзор; 2 туп-туп бўлиб ўсадиган, тупли; бута...; **~ые расте́ния** бута ўсимликлар; 3 буталар билан қопланган, бутазор, чангалзор; **~ая ту́ндра** бутазор тундра, буталар босган тундра; 4 баъзи зоологик номларнинг таркибига киради; **~ая кры́са** бутазор каламуши; **~ая соба́ка** бутазор ити.

КУСТА́РНИЧАТЬ *несов.* 1 косиблик қилмоқ, ҳунармандлик қилмоқ, кустарь бўлмоқ; **~ть в шве́йной арте́ли** тикувчилик артелида ҳунармандлик қилмоқ (ишламоқ); 2 *перен.* кустарчилик қилмоқ, ибтидоий (қолоқ) усуллар билан иш кўрмоқ, ўз бошига иш қилмоқ.

КУСТА́РНИЧЕК *м, р.* **-чка** пастак бута ўсимлик, пастак бута.

КУСТА́РНИЧЕСТВО *с* 1 кустарлик, косиблик, ҳунармандлик; 2 *перен.* кустарчилик (қолоқ, ибтидоий усуллар билан иш кўриш, ўз бошига ишлаш).

КУСТА́РН/ЫЙ, -ая, -ое 1 ҳунармандчиликка, косибчиликка оид; ҳунармандчилик...; кустарь...; **~ая промы́шленность** ҳунармандчилик саноати; 2 қўлда қилинган, хонаки, сўқма; кустарь...; ҳунармандчилик...; **~ые изде́лия** ҳунармандчилик буюмлари, кустарь моллар; **~ая рабо́та** сўқма иш; 3 *перен.* ибтидоий, қолоқ, кустарчилик методларига асосланган; **~ая организа́ция рабо́ты** ибтидоий усулда ташкил этилган иш.

КУСТА́РЩИНА *ж разг. то же, что* **куста́рничество** 2.

КУСТА́РЬ *м, р.* **-ря́** кустарь, косиб, ҳунарманд; **~-ткач** бўзчи, уйда (қўлда) газмол тўқувчи косиб; **~-горше́чник** кулол.

КУ́СТИК *м* 1 *умечьш. от* **куст** 1; 2 *перен.* бир тутам соч (жун ва ш. к.)

КУСТИ́СТОСТЬ *ж* серпоялик. тўп бўлиб ўсиш, чойлашлик, чойлаганлик; ~ **пшени́цы** буғдойнинг серпоялиги, чойлаганлиги.

КУСТИ́СТ/ЫЙ, -ая, -ое 1 серпоя, чойлаб ўсадиган, тўп бўлиб чиқадиган; **~ая пшени́ца** серпоя буғдой, чойлаб ўсадиган буғдой; 2 *перен.* қуюқ, ўсиқ, бароқ (қош ҳақида); **~ые бро́ви** ўсиқ қуюқ қош; 3 буталар билан қопланган, бута босган, бутазор, чангалзор; **~ый овра́г** буталар билан қопланган жар, бутазор жар; **~ый холм** бутазор (чангалзор) тепалик.

КУСТИ́/ТЬСЯ, -и́тся *несов.* 1 шохламоқ, чойлашмоқ, туп отмоқ, шохлаб ўсмоқ (кетмоқ); **про́со уже́ ~ться** тариқ чойлай бошлаяпти; 2 *перен.* тўп-тўп бўлиб ўсмоқ.

КУСТОВ/О́Й, -а́я, -о́е 1 тўп-тўп бўлиб ўсадиган, туп отадиган, тагидан шохлаб ўсадиган; **~ые расте́ния** тўп-тўп (бўлиб ўсадиган) ўсимликлар; 2 кустга, бирлашмага оид; куст...; **~о́е собра́ние арте́лей** артеллар бирлашмасининг йиғилиши.

КУСТОРЕ́З *м* бута (поя) қирқадиган машина, бута-қирққич.

КУСТОРЕ́ЗНЫЙ, -ая, -ое бута қирққичга оид, бута-қирққич...

КУ́ТАТЬ *несов. кого-что* 1 (*сов.* **заку́тать**) ўрамоқ, чулғамоқ, буркамоқ, ўраб қўймоқ, буркаб ташламоқ; ~ **ше́ю ша́рфом** бўйинга шарф ўрамоқ (боғламоқ); 2 буркамоқ, жуда иссиқ кийинтирмоқ; **дете́й нельзя́** ~ болаларни иссиқ кийинтирмаслик (буркамаслик) керак.

КУТА́/ТЬСЯ *несов.* 1 (*сов.* **заку́таться**) ўранмоқ, чулғанмоқ, бурканмоқ, ўралиб (бурканиб) олмоқ; **~ться в плато́к** рўмолга ўранмоқ; рўмолга ўралиб олмоқ; 2 жуда иссиқ кийинмоқ.

КУТА́ФЬЯ *ж, р. мн.* **-фий** *уст.* беўхшов кийинган аёл, рўдапо.

КУТЕ́Ж *м, р.* **-ежа́** айш-ишрат, ичкиликбозлик, майхўрлик.

КУТЕ́ЙНИК *м прост. уст.* руҳонийларга масхаралаб берилган лақаб.

КУТЕ́ЙНИЦА *ж прост. уст. см.* **кутéйник.**

КУТЁНОК *м, р.* **-нка,** *мн.* **-тя́та** *прост.* кучук бола.

КУТЕРЬМ/А *ж разг.* тўс-тўполон, шовқин-сурон, ғавғо, тартибсизлик; **устро́ить ~у́** тўполон қилмоқ; тўс-тўполонини чиқармоқ.

КУТИ́ЛА *м разг.* ишратпараст, ичкиликбоз, майхўр.

КУТИ́ТЬ, кучу́, ку́тишь *несов.* (*сов.* **кутну́ть**) айш-ишрат қилмоқ, ичкиликбозлик қилмоқ; ✦ ~ **и мути́ть** или ~ **да мути́ть** 1) нифоқ солмоқ, низо чиқармоқ; 2) *обл.* қутирмоқ, кўтарилмоқ (бўрон ҳақида).

КУТНУ́ТЬ *сов. однокр. см.* **кути́ть.**

КУТУЗК/А *ж, р. мн.* **-зок** *прост. уст.* турма, турмахона, қамоқхона, авахта.

КУТЬЯ *ж, р. мн.* **-тей** 1 асал ёки майиз солинган бўтқа (маросимларда ейиладиган таом); **ри́совая** ~ гуруч бўтқа; 2 *прост. уст.* бўтқахўр (руҳонийларга масхаралаб берилган лақаб).

КУХА́РИТЬ *несов. прост. то же, что* **кухáрничать.**

КУХА́РКА *ж, р. мн.* **-рок** ошпаз аёл.

КУХА́РНИЧАТЬ *несов. прост.* ошпазлик қилмоқ; овқат пиширмоқ; ~ **на полево́м ста́не** дала шийпонида ошпазлик қилмоқ.

КУХЛЯ́НКА *ж, р. мн.* **-нок** кухлянка (Шимол халқларининг пўстини); **эвенки́йская** ~ эвенклар кухлянкаси.

www.ziyouz.com kutubxonasi

КУХМИ́СТЕР *м уст.* 1 кухмистер (паст ресторан ёки ошхона эгаси); 2 пазанда ошпаз.

КУХМИ́СТЕРСК/ИЙ, -ая, -ое *уст.* 1 кухмистерга оид; кухмистер...; 2 паст ресторанда, арзон ошхонада тайёрланган; **~ий обе́д** паст ресторанда тайёрланган овқат, паст ресторан овқати; 3 *в знач. сущ.* **~ая** *ж* паст ресторан, арзон ошхона.

КУ́ХНЯ *ж, р. мн.* **-хонь** 1 ошхона, ўчоқ боши, кухня; **~ до́ма о́тдыха** дам олиш уйининг ошхонаси; **похо́дная (полева́я)** ~ *воен.* поход (дала) кухняси (қўшин кетидан борадиган кўчма кухня); 2 *разг.* овқат тайёрлаш; рўзғор ишлари;— **У неё [тёщи] на рука́х де́ти, ~** (Чехов) — Болалар, рўзғор ишлари унинг (қайнонанинг) қўлида; 3 таом, овқат; **ру́сская ~** рус таомлари; **узбе́кская ~** ўзбек таомлари; **здесь хоро́шая ~** бу ернинг овқатлари яхши; бу ерда яхши овқат тайёрлашади; 4 *перен. чего* или *какая* бирор ишнинг яширин (қоронғи, махфий) томони, буқтирма фитна-фасод, фисқ-фужур, ичвэ; **буржуа́зная дипломати́ческая ~** буржуа дипломатларининг буқтирма фитна-фасодлари; 5 *разг.* ошхона гарнитури; **моло́чная ~** эмизикли болалар кухняси (эмадиган болаларга сут ва сут маҳсулотлари тайёрлаб берадиган муассаса).

КУХО́НН/ЫЙ, -ая, -ое ошхонага оид; ошхона...; **~ый стол** ошхона столи; **~ая посу́да** идиш-товоқ; ✦ **~ая лати́нь** ошпазлар лотини (лотин тилини билар-билмас бузиб-ёриб гаплашиш).

КУХО́НЬКА *ж, р. мн.* **-нек** *уменьш.-ласк. от* **ку́хня** 1.

КУ́ЦЫЙ, -ая, -ее 1 чўлтоқ (дум ҳақида); **~ хвост** чўлтоқ дум; 2 думи калта, калтадум, чўлтоқ (ҳайвон ҳақида); **~ щено́к** калтадум кучук бола; 3 *разг.* калта, қисқа, чоғ (кийим ҳақида); **~ пиджа́к** калта пиджак; 4 *перен.* қисқа, чала-чулпа, қисқа-кўтоқ; **~ переска́з** қисқа (чала-чулпа) қилиб айтиб бериш; **~ фельето́н** қисқа-кўтоқ фельетон; 5 *перен.* чала, қисқа, нотўла, номукаммал; **о́тдых получи́лся ку́цым** дам олиш чала бўлди.

КУЧ/А *ж* 1 уюм, тўда, тўп; ғарам; тепа; **~а кирпича́** бир уюм ғишт; ғишт уюми; **~а песка́** қум уюми; уйиб қўйилган қум; 2 гала, тўда, тўп (одамлар, ҳайвонлар ҳақида); **~а ове́ц** бир гала (тўда) қўй; **~а зева́к** бир тўда бекорчилар; **сби́ться в ~у** тўдаланиб (тўпланиб) қолмоқ, бир ерга ғуж бўлмоқ; 3 *разг.* кўп, анча, анча-мунча, аллақанча, бир талай; **у меня́ ~а дел** менинг ишим кўп, менинг бир талай ишим бор; **~а де́нег** бир талай пул; ✦ **~а мала́** болалар ўйини ва унда айтиладиган ибора; **вали́ть всё в одну́ ~у** аралаш-қуралаш қилиб юбормоқ, фарқ қилмай қориштирмоқ.

КУЧЕВ/О́Й, -а́я, -о́е; -ы́е облака́ тўп-тўп булутлар; **~ы́е пески́** *геол.* қум уюмлари.

КУ́ЧЕР *м, мн.* **-а́** кўчир, аравакаш, извошчи.

КУЧЕРСК/О́Й, -а́я, -о́е 1 кўчирга, извошчига оид; кўчир...; **~о́й кнут** кўчир қамчиси; 2 *в знач. сущ.* **~а́я** *ж* кўчирхона (бойлар хонадонида: кўчирлар уйи, хонаси).

КУЧЕРЯ́ВИТЬСЯ, -ится *несов.* жингалак-жингалак бўлиб турмоқ, жингалакланмоқ.

КУЧЕРЯ́ВЫЙ, -ая, -ое жингалак; сочи (юнги) жингалак; жингалаксоч; **~ ма́льчик** жингалаксоч бола; **~ягнёнок** юнги жингалак қўзичоқ.

КУ́ЧИ/ТЬСЯ, -ится *несов. разг.* **тўп-тўп бўлмоқ**, тўда-тўда бўлмоқ; тўдаланмоқ, тўпланмоқ, ғужланмоқ; **облака́ ~лись** булутлар тўп-тўп бўлиб турар эди; **ку́ры ~лись под наве́сом** товуқлар бостирмада бир ерга тўпланиб олган эди.

КУ́ЧК/А *ж, р. мн.* **-чек** 1 *уменьш.-ласк. от* **ку́ча** 1, 2; 2 бир тўда одам, бир гуруҳ одам; **собира́ться в ~у** тўпланмоқ, йиғилмоқ; ✦ **могу́чая ~а** қудратли тўда (19-аср 50-йилларининг охирида —60-йилларнинг бошида рус миллий музика маданиятини ривожлантириш учун курашган прогрессив композиторлар — Балакирев, Мусоргский, Римский-Корсаков, Бородин, Кюи группаси).

КУ́ЧНОСТЬ *ж* ғужлик, зичлик; **~ посе́вов** экинларнинг зичлиги; **~ попада́ния** ўқларнинг ғужлиги (ғуж тегиши, текканлиги).

КУ́ЧНО *нареч.* тўп-тўп (тўда-тўда) бўлиб, ғуж, зич; **держа́ться ~** зич турмоқ, ғуж бўлмоқ, тўп-тўп бўлиб турмоқ; **пу́ли ложа́тся в мише́нь ~** ўқлар нишонга ғуж тегяпти.

КУ́ЧН/ЫЙ, -ая, -ое ғуж, зич; **~ое попада́ние в мише́нь** нишонга ғуж тегиш (уриш); **~ые всхо́ды** зич майсалар, қийғос униб чиққан майсалар.

КУШ *м* 1 тикилган пул (карта ўйинида); 2 *разг.* катта пул, мўмай пул, ўлжа; **сорва́ть ~** 1) *карт.* тикилган пулни ютиб олмоқ; 2) *разг.* катта пулни ўмармоқ; мўмай пул топмоқ; 3 *уст.* бир миқдор пул.

КУША́К *м, р.* **-а́** белбоғ, камар, қайиш; **шёлковый ~** шойи белбоғ.

КУША́НЬ/Е *с. р. мн.* **-ний** 1 таом, овқат; **национа́льные ~я** миллий таомлар; 2 *собир.* овқат, ош; **гото́вить ~е** овқат тайёрламоқ, овқат пиширмоқ.

КУША/ТЬ *несов.* 1 емоқ, овқатланмоқ; **~йте, пожа́луйста** қани олинг, еб ўтиринг; 2 *прост. уст.* ичмоқ (кофе, сут ва бошқа суюқликлар ҳақида).

КУШЕ́ТК/А *ж, р. мн.* **-ток** кушетка; **ко́жаная ~а** чарм қопланган кушетка; **спать на ~е** кушеткада ухламоқ.

КУ́ЩА *ж* 1 *уст. поэт.* чодир, капа; кулба; 2 шох-шабба, дарахт тепаси.

КХМЕР *м* кхмер; *см.* **кхме́ры.**

КХМЕ́РСКИЙ, -ая, -ое кхмерларга оид, кхмер(лар)...; **~ язы́к** кхмер тили.

КХМЕ́РЫ *мн. (ед.* **кхмер** *м)* кхмерлар (Камбоджанинг асосий аҳолиси).

КЭТЧ *м спорт.* кэтч (профессионал курашнинг бир тури).

КЭТЧИ́СТ *м* кэтчи.

КЮВЕ́Т *м* йўл четидаги ариқ.

КЮВЕ́ТКА *ж, р. мн.* **-ток** *фото* кюветка (фотопластинка, фотоқоғоз ювиладиган ваннача).

КЮРЕ́ *м нескл.* кюре, католиклар руҳонийси (Франция ва Бельгияда).

КЮРИ́ *с нескл.* кюри (радиоактивликнинг ўлчов бирлиги).

КЮРИ́Й *м* кюрий (сунъий йўл билан ҳосил қилинган радиоактив химиявий элемент).

КЯРИ́З *м* кориз (Ўрта Осиё ва Кавказнинг тоғ этакларидаги районларда: ерости сувларини оқизиб чиқариш учун қурилган иншоот).

Л

ЛАБА́З *м* 1 *уст.* лабаз, каппон; **мучно́й ~** ун-дон (каппон) бозори; аллоф дўкони; 2 *обл.* бостирма, сарой, омборхона; 3 *обл.* пистирма (ўлжани пойлаш учун дарахт шохлари орасига ўрнатилган қурилма).

ЛАБА́ЗНИК *м уст.* 1 лабаз (каппон) хўжайини; 2 ғаллафуруш, аллоф.

ЛАБА́ЗН/ЫЙ, -ая, -ое лабазга (каппонга) оид; лабаз..., каппон...

ЛАБИАЛИЗА́ЦИЯ *ж лингв.* лабиализация, лаблаштириш (товушларни лабларни чўччайтириб талаффуз этиш).

ЛАБИАЛИЗО́ВАННЫ/Й, -ая -ое, *лингв.* лаблаштирилган (лабларни чўччайтириб талаффуз қилинган); **~е зву́ки** лаблаштирилган товушлар.

ЛАБИА́ЛЬНЫЙ, -ая, -ое *лингв.* лабиал, лаб воситасида талаффуз этиладиган, лаб...; **~ звук** лабиал товуш, лаб товуши.

ЛАБИ́ЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое *книжн.* ўзгарувчан, ўзгариб (ҳаракат қилиб) турадиган, ўзгарувчи, беқарор; **~ое давле́ние** ўзгарувчан (ўзгарувчи) босим.

ЛАБИРИ́НТ *м* 1 лабиринт (қадимда: Юнонистон ва Мисрда: хоналари чалкаш йўллар билан боғланган катта қаср); 2 *перен. чего* чалкаш йўл, йўлак, кўча ва ш. к.; **~**

www.ziyouz.com kutubxonasi

у́лиц ста́рого го́рода эски шаҳарнинг эгри-бугри, чалкаш кўчалари; 3 *перен. чего* или *какой* мураккаб (чалкаш-чулкаш) нарса, боши-кетини билиб бўлмайдиган нарса; ~ **ко́мнат** кирсанг адашиб қоладиган хоналар; биридан бирига ўтиладиган чалкаш-чулкаш уйлар; ~ **гор** чалкаш-чулкаш тоғ тизмаси; 4 *перен. чего* или *какой* чигал (чалкаш-чулкаш) гап, фикр ва ҳ. к.; ~ **мы́слей** чигал (чалкаш-чулкаш) фикрлар; 5 *анат.* лабиринт (қулоқнинг чиғаноқсимон ички қисми).

ЛАБИРИ́НТНЫЙ, **-ая**, **-ое** чалкаш-чулкаш, чигал; ~ **ход** чалкаш-чулкаш йўл (йўлак).

ЛАБОРА́НТ *м* лаборант (1 лабораторияда: илмий ёки техник ходим; 2 профессор ёки ўқитувчининг лаборатория машғулотларини олиб борувчи ёрдамчиси).

ЛАБОРА́НТКА *ж, р. мн.* **-ток** лаборант аёл, лаборантка.

ЛАБОРА́НТСКИ/Й, **-ая**, **-ое** лаборантга оид; лаборант...; ~**е обя́занности** лаборант вазифалари.

ЛАБОРАТО́РИЯ *ж* 1 лаборатория; **хими́ческая** ~ химия лабораторияси; 2 *перен. кого* или *какая* лаборатория, ижодхона; ижодий фаолият соҳаси; **твóрческая** ~ **писа́теля** ёзувчининг ижод лабораторияси, ёзувчи ижодхонаси.

ЛАБОРАТО́РНО *нареч.* лаборатория усулида (шароитида); лабораторияда; **прове́рить** ~ **эксплуатацио́нные возмо́жности но́вых маши́н** янги машиналарнинг эксплуатацион имкониятларини лаборатория усулида (шароитида) текшириб кўрмоқ.

ЛАБОРАТО́РН/ЫЙ, **-ая**, **-ое** лабораторияга оид; лаборатория...; ~**ое обору́дование** лаборатория асбоб-ускуналари; ~**ые иссле́дования** лаборатория тадқиқотлари; ~**ые рабо́ты** лаборатория ишлари.

ЛАБРА́ДОР *м* лабрадор (биноларни безатишда ишлатиладиган, дала шпатига мансуб минерал).

ЛАБРАДОРИ́Т *м* лабрадорит (асосан лабрадордан иборат тоғ жинси).

ЛА́ВА I *ж* 1 лава (вулканлардан отилиб чиқадиган суюқ чўғ модда); **вулкани́ческая** ~ вулканик лава; 2 *перен. кого-чего* шиддатли оқим, тўлқин; ~ **люде́й** кишилар (оломон) оқими.

ЛА́ВА II *ж* лава (отлиқларнинг душманни қуршаб олиш учун ён томонлардан ва орқадан ёпирилиб қиладиган ҳужуми).

ЛА́ВА III *ж горн.* лава (тоғ жинси қатлами ёппасига қазиб олинадиган жой).

ЛАВА́НДА *ж* лаванда (ҳаворанг ёки бинафшаранг гулли, хушбўй, доим яшил ўсимлик).

ЛАВА́НДНЫЙ, **-ая**, **-ое** лавандага оид; лаванда...; ~ **за́пах** лаванда ҳиди.

ЛАВА́НДОВ/ЫЙ, **-ая**, **-ое** *то же, что* **лава́ндный**; ~**ое ма́сло** лаванда мойи.

ЛАВА́Ш *м* лаваш (кавказликларда: оширилмаган хамирдан қилинадиган юпқа нон).

ЛАВА́ШН/ЫЙ, **-ая**, **-ое** лавашга оид; лаваш учун қилинадиган; лаваш...; ~**ое те́сто** лаваш хамири.

ЛАВИ́Н/А *ж* 1 кўчки (тоғлардан кўчиб тушадиган қор уюми); 2 *перен. кого-чего* шиддат билан ёпирилиб келаётган нарса; шиддатли, тўхтовсиз оқим; ~**а та́нков** танкларнинг шиддатли оқими; **войска́ шли** ~**ой** лашкарлар шиддат билан тўхтовсиз ёпирилиб келмоқда (бормоқда) эди.

ЛАВИ́НН/ЫЙ, **-ая**, **-ое** кўчкига оид; кўчки...; ~**ая опа́сность** кўчки (тушиш) хавфи.

ЛАВИНООПА́СНЫЙ, **-ая**, **-ое**; **-сен**, **-сна** кўчки (тушиш) хавфи бўлган, кўчки бўлиш эҳтимоли бор; ~ **уча́сток** кўчки (тушиш) хавфи бўлган участка.

ЛАВИ́РОВАНИЕ *с по гл.* **лави́ровать**; ~ **корабля́** кеманинг шамолга қарши (ёки тўсқинликларга чап бериб) юриши.

ЛАВИ́РОВАТЬ *несов.* 1 *мор.* шамолга қарши (ёки тўсқинликларга чап бериб) сузмоқ (кема, қайиқ ҳақида); 2 *перен.* тўсқинликларга (қийинчиликларга) усталик билан чап бермоқ, усталик билан мушкулликларни енгмоқ; ~ **в сло́жных жи́зненных обстоя́тельствах** ҳаёт қийинчиликларини усталик билан енгиб ўтмоқ.

ЛАВКА I *ж, р. мн.* **-вок** скамейка, эшак.

ЛАВКА II *ж, р. мн.* **-вок** дўкон; **кни́жная** ~ китоб дўкони.

ЛАВО́ВЫЙ, **-ая**, **-ое** лава 1 га оид; лава...; ~ **пото́к** лава оқими.

ЛАВО́ЧКА I *ж, р. мн.* **-чек** *уменьш. от* **ла́вка** 1 кичик скамейка, скамейкача.

ЛАВО́ЧК/А II *ж. р. мн.* **-чек** 1 *уменьш. от* **ла́вка II** кичик дўкон, дўконча; 2 *перен. разг.* шубҳали (қонунга хилоф) иш, лўттибозлик; ✦ **по пья́ной** ~**е** *прост.* маст (кайфи бор) вақтда, маст бўлиб, мастликда, кайф билан.

ЛАВО́ЧНИК *м уст.* дўкондор, баққол, аттор.

ЛАВО́ЧНИЦА *ж уст.* 1 *см.* **ла́вочник**; 2 дўкондорнинг (баққолнинг) хотини.

ЛАВР *м* 1 дафна (дарахти); 2 *мн.* ~**ы** ғалаба (ёки шуҳрат) тожи (дафна япроғи ёки новдаларидан ғалаба, шуҳрат аломати ёки ҳурмат белгиси сифатида бўйинга осиш учун қилинган чамбар); ✦ **пожина́ть** ~**ы** эришилган муваффақиятлар роҳатини кўрмоқ (даврини сурмоқ); **почива́ть на** ~**ах** эришилган ютуқлардан мағрурланмоқ (хотиржам бўлмоқ, хотиржамлик кайфиятига тушмоқ); ~**ы** *чьи* **спать не дают** бировнинг шуҳратига рашк қилиб уйқуси келмаётир, ҳасаддан ёрилиб ўлай деяпти.

ЛАВРА *ж* лавра (эркакларнинг катта муҳим монастирининг номи).

ЛАВРОВИШНЕВЫ/Й, **-ая**, **-ое** тафлонга оид; тафлоний; тафлон...; ~**е ка́пли** тафлон томчиси.

ЛАВРОВИ́ШНЯ *ж* тафлон (атиргуллилар оиласига мансуб доим яшил жануб ўсимлиги; баргидан дори тайёрланади).

ЛАВРО́ВЫЙ и **ЛА́ВРОВЫЙ**, **-ая**, **-ое** 1 **ла́вровый** дафнага оид; дафна...; ~**ая ро́ща** дафназор; 2 *в знач. сущ.* **ла́вровые** *мн. бот.* дафнадошлар; **семе́йство ла́вровых** дафнадошлар оиласи; ✦ **лавро́вый вено́к** ғалаба (шуҳрат) тожи (дафна япроғидан ғалаба ёки шуҳрат, тантана аломати сифатида бўйинга осиш учун қилинган чамбар); **лавро́вый лист** дафна барги (овқатга солинади).

ЛАВРСК/ИЙ, **-ая**, **-ое** лаврага оид; лавра...

ЛАВСА́Н *м* лавсан (лаборатория высокомолекулярных соединений Академии наук СССР) (синтетик тола тури ва ундан тўқилган газлама ва ҳ. к.).

ЛАГ *м мор.* 1 лаг (кеманинг тезлигини ва босиб ўтган йўлини ўлчайдиган асбоб); 2 кема борти.

ЛАГЕ́РНИК *м разг.* 1 лагердаги маҳбус; 2 лагерчи (лагерда, вақтинчалик истиқоматгоҳда яшовчи киши).

ЛАГЕРН/ЫЙ, **-ая**, **-ое** лагерга оид; лагердаги; лагерь...; ~**ая жизнь** лагерь ҳаёти, лагердаги ҳаёт; ~**ый режи́м** лагерь режими.

ЛАГЕ́РЬ *м* лагерь (1 *мн.* **лагеря́** қўшинларнинг аҳоли яшайдиган жойдан ташқаридаги вақтинчалик қароргоҳи; 2 *мн.* **лагеря́** экспедиция, туристлар ва ҳ. к. нинг вақтинчалик истиқоматгоҳи; **тури́стский** ~ туристик лагерь; 3 *мн.* **ла́гери** и **лагеря́** маҳбуслар, асирлар турадиган жой, қамоқхона; ~ **для военноплене́нных** ҳарбий асирлар лагери; 4 *мн.* **ла́гери** *перен.* лагерь (ижтимоий-сиёсий гуруҳ, оқим, йўналиш); ~ **стран социали́стического содру́жества** социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари лагери.

ЛАГМА́Н *м* лағмон.

ЛАГУ́НА *ж* 1 лагуна, қўлтиқ (денгиздан ажралиб ҳосил бўлган саёз кўл, кўрфаз); 2 лагуна (денгизнинг маржон ороллари билан ўралган ёки маржон ороллари билан қирғоқ ўртасидаги қисми).

ЛАД *м, мн.* **-ы** 1 *разг.* аҳиллик, иноқлик, тотувлик; баҳамжиҳатлик, муроса; **жить в** ~**у** тотув яшамоқ; **быть не в** ~**а́х** муроса қилолмаслик, чиқиша олмаслик; 2 тарз, тахлит, йўсин, усул, йўл; **на но́вый** ~ янгича, янги йўсинда (тахлитда); 3 *муз.* товушлар сираси, куй (оҳанг) тузилиши, мақом, соз; 4 *мн.* ~**ы** *муз.* парда; клавиш; ~**ы гита́ры** гитара пардалари; ~**ы гармо́ники** гармонь клавишлари; ✦ **в** ~ *с кем-чем* мос равишда, уйғун; **петь в** ~ уйғун куйламоқ; **идти́ (пойти́) на** ~ тузалиб (яхшиланиб) бормоқ, йўлга тушмоқ.

ЛАДА *м* и *ж нар.-поэт.* ёр, маҳбуб, ошиқ; маҳбуба, маъшуқа.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЛАДАН *м* ладан (баъзи ўсимликлардан олинадиган, диний маросимларда тутатиладиган хушбўй смола); ✦ **дыша́ть на ~ ўлим** тўшагида ётмоқ, ўсал ётмоқ, жони ҳалқумига келиб турмоқ; **бе́жать как чёрт от ~а** *от кого-чего* ...дан қочиб юрмоқ, азроилни кўргандай қочмоқ; **боя́ться как чёрт ~а** *кого-чего* ниҳоятда (ўлгудай) қўрқмоқ.

ЛА́ДАНКА *ж, р. мн.* **-нок** ладанли тумор.

ЛА́ДАННЫЙ, -ая, -ое ладанга оид; ладан...; **~ дым** ладан тутуни.

ЛАДЕ́ЙНЫЙ, -ая, -ое *шахм.* рухга оид; рух...; **~ э́ндшпиль** рух эндшпили.

ЛА́ДИТ/Ь, ла́жу, ла́дишь *несов.* 1 *с кем* тотувликда яшамоқ, баҳамжиҳат бўлиб яшамоқ, чиқишмоқ муроса қилмоқ; 2 *что прост.* тўғрилаб қўймоқ, тузатмоқ, тайёр (тахт) қилмоқ; ростламоқ, созламоқ; ясамоқ, қурмоқ; **~ь теле́гу** аравани тузатмоқ (тўғриламоқ); **~ь балала́йку** балалайкани созламоқ; 3 *что прост.* и *обл.* таъкидлайвермоқ; такрорлайвермоқ; **~ь одно́ и то же** бир гапни ҳадеб такрорлайвермоқ; 4 *с неопр. прост.* и *обл.* ният (қасд) қилмоқ, ниятида бўлмоқ; **он ~ сего́дня в го́род уе́хать** бугун у шаҳарга кетиш ниятида (кетмоқчи).

ЛА́ДИТ/ЬСЯ, -ится *несов.* 1 юришмоқ, юришиб кетмоқ, йўлга тушмоқ; **де́ло ~ся** иш юришиб кетди (йўлга тушди); 2 мос (мувофиқ) келмоқ; 3 *страд. от* **ла́дить** 2.

ЛА́ДКОМ *нареч. прост.* тотувлик (аҳиллик) билан, келишиб, аҳил.

ЛА́ДНО *нареч.* 1 тотувлик (аҳиллик) билан, аҳил, тотув, иноқ; **они́ живу́т ~** улар аҳил (тотув) яшайдилар; 2 яхши, дуруст; бинойидек; **~ скро́ен** 1) бичими келишган, яхши бичилган; 2) келишган, қомати расо; 3 *в знач. сказ. прост.* муваффақиятли, яхши, дуруст, жойида; **всё ли бы́ло ~ на вечери́нке?** кечада (ўтиришда) ҳамма нарса жойида бўлдими?; 4 *в знач. частицы разг.* бўпти, майли, хўп; **~, пусть бу́дет по-тво́ему** майли, сен айтганча бўла қолсин; ✦ **~ же!** шошмай тур, сени!; қараб тур, сени!; **~ тебе́ (вам)!** бас қил(инг)!; тўхтат(инг)!; етар!; **~ бы** *разг.* майли-я, майли эди-я, майли-ку; **~ бы моро́з, так ещё и ве́тер!** совуғи майли эди-я, шамолини қаранг! (шамолига бало борми, яна шамолига ўлайми!).

ЛАДН/ЫЙ, -ая, -ое; -ден, -дна *разг.* 1 қадди-қомати (жуссаси) келишган, қомати расо; келишган; **~ая фигу́ра** келишган қомат; **~ый па́рень** қадди-қомати келишган йигит; 2 яхши ишланган, яхши йўлга қўйилган; бекам-кўст; яхши, тузук, дуруст, бинойи(дай); **~ый костю́м** яхши (хушбичим) костюм; **~ое хозя́йство** яхши йўлга қўйилган (дуруст) хўжалик; 3 ишчан, эпчил; **~ый рабо́тник** ишчан ходим; 4 аҳил, тотув, иноқ; дўстона; **~ые взаимоотноше́ния** дўстона муносабатлар; **~ый колле́ктив** тотув (аҳил) коллектив; 5 биргаликда (бирдамлик билан, келишиб) қилинган; уйғун, ҳамоҳанг; **~ый звон колоко́ло́в** қўнғироқларнинг ҳамоҳанг жаранглаши; **~ое хорово́е пе́ние** хорнинг уйғун куйлаши.

ЛАДО́ННЫЙ, -ая, -ое кафтга оид; кафт...

ЛАДО́Н/Ь *ж* кафт (қўл кафти); ✦ **как на ~и** 1) кафтдагидек, аниқ, равшан, яққол; 2) тушунарли.

ЛАДО́ШИ *мн.:* **хло́пать (бить) в ~** 1) кафтни кафтга урмоқ; 2) *разг.* чапак чалмоқ, қарсак урмоқ.

ЛА́ДУШКА *м* и *ж, р. мн.* **-шек.** *нар.-поэт. уменьш.-ласк. от* **ла́да: ~ моя́!** ёрим!; севикли ёрим!; севгилим!

ЛА́ДУШКИ *мн., р. мн.* **-шек** ладушки (ашула билан қарсак чалиб ўйналадиган болалар ўйини).

ЛА́ДЬЯ I *ж уст. поэт.* қайиқ (эшкакли ёки елканли катта қайиқ).

ЛА́ДЬЯ II *ж шахм.* рух.

ЛАЖ *м фин.* лаж (1 қоғоз пул қадрсизланганда олтиннинг номинал курсига қўшиладиган фойда; 2 қоғоз пул, вексель, акция ва облигациялар курсининг номинал қимматдан ошиб кетиши).

ЛАЗ I *м* лаз; *см.* **ла́зы.**

ЛАЗ II *м* 1 тешик, туйнук (одам ўта оладиган раҳна); 2 *спец.* туйнук, дарча (турли аппарат, иншоот ва ш. к. да); 3 *спец.* ёввойи ҳайвонлар юрадиган йўл, сўқмоқ.

ЛАЗА́НЬЕ *с по гл.* **ла́зать; ~ по кана́ту** арқонга тирмашиб чиқиш.

ЛАЗАРЕ́Т *м* лазарет (ҳарбий қисмлар қошидаги касалхона); **похо́дный ~** кўчма лазарет; **до́ма у нас — це́лый ~** *разг.* уйимизда ҳамма касал (уйимиз лазаретга айланди).

ЛАЗАРЕ́ТН/ЫЙ, -ая, -ое лазаретга оид; лазарет...; **~ая ко́йка** лазарет койкаси; **~ое обору́дование** лазарет асбоб-анжомлари.

ЛА́ЗАР/Ь *м:* **~я петь** *прост.* ўз қисматидан нолимоқ (зорланмоқ); ўзини бахтсиз (шўрпешана) қилиб кўрсатиб йиғламоқ; **наобу́м ~я** *прост.* тусмоллаб, тавакқал қилиб, нима бўлса, бўлсин (ё остидан, ё устидан) деб; тайёргарликсиз-бошқасиз.

ЛА́ЗАТЬ, -аю, -аешь *несов. то же, что* **ла́зить.**

ЛАЗЕ́ЙК/А *ж, р. мн.* **-е́ек** 1 одам сиғадиган тешик, туйнук, раҳна; 2 *перен.* ғайри қонуний йўл; ножўя ҳаракатга йўл очиб берадиган имкон; **найти́ ~у** ғайри қонуний йўл (имкон) топмоқ.

ЛАЗЕ́Р *м* лазер (тўпланган нур дастаси манбаи, генератори).

ЛА́ЗЕРНЫЙ, -ая, -ое лазерга оид; лазер...; **~ луч** лазер нури.

ЛА́ЗИТЬ, ла́жу, ла́зишь *несов.* 1 тирмашиб (чирмашиб, ўрмалаб) чиқмоқ (ёки кирмоқ); чиқиб юрмоқ; **~ по дере́вьям** дарахтларга тирмашиб чиқмоқ; дарахтларда юрмоқ; **~ по гора́м** тоғларга чиқмоқ; тоғларга чиқиб юрмоқ; **ла́зящие расте́ния** *спец.* чирмашиб ўсадиган ўсимликлар; 2 суқилиб кирмоқ, ошиб тушмоқ; **~ в окно́** деразадан ошиб тушмоқ; 3 тимирскилаб юрмоқ, қидирмоқ, ахтармоқ, титкиламоқ; **~ по кварти́рам** квартираларга кириб тимирскилаб юрмоқ; **~ в я́щиках стола́** стол яшикларини титкиламоқ; **~ в карма́н** чўнтакка қўл солмоқ.

ЛА́ЗКА *ж, р. мн.* **-зок** лаз аёл, лазка; *см.* **ла́зы.**

ЛАЗО́РЕВЫЙ, -ая, -ое *нар.-поэт. то же, что* **лазу́рный; ~ цвето́к** ҳаворанг гул; ✦ **~ ка́мень** ложувардли тош.

ЛАЗСКИ/Й, -ая, -ое лазларга оид; лаз(лар)...; **~е обы́чаи** лазлар(нинг) урф-одатлари.

ЛАЗУРИ́Т *м* лазурит, ложувард (безак буюмлар ишланадиган кўк рангли минерал).

ЛАЗУ́РН/ЫЙ, -ая, -ое; -рен, -рна ҳаворанг, мовий, ложувард, кўм-кўк; **~ое не́бо** кўм-кўк осмон; ✦ **~ые мечты́** ҳом хаёл; ширин хаёллар.

ЛАЗУ́РЬ *ж* 1 кўм-кўк ранг (тус); **небе́сная ~** осмоннинг кўм-кўк ранги; 2 лазурь (ҳаворанг бўёқ).

ЛАЗУ́ТЧИК *м* 1 *уст.* разведкачи; 2 айғоқчи, жосус, шпион; **подосла́ть ~а** жосус юбормоқ.

ЛА́ЗЫ *мн.* (*ед.* лаз I *м,* **ла́зка** *ж*) лазлар (Ажария АССР ва Туркияда яшовчи грузинларнинг этнографик гуруҳи).

ЛАЙ *м* 1 вовуллаш, акиллаш, увиллаш, ҳуриш; **~ соба́к** итларнинг вовуллаши; 2 *прост.* акиллаш, сўкиш, қарғиш, ҳақорат.

ЛА́ЙБА *ж* лайба (икки мачтали қия елканли катта қайиқ).

ЛА́ЙКА I *ж, р. мн.* **ла́ек** лайка (овчи ит тури); **се́верная ~** шимол лайкаси.

ЛАЙК/А II *ж* лайка (майин тери); **перча́тки из ~и** лайка қўлқоп, лайкадан тикилган қўлқоп.

ЛА́ЙКОВЫ/Й, -ая, -ое ла́йка II га оид; лайка...; **~е перча́тки** лайка қўлқоп.

ЛАЙНЕР *м* лайнер (1 *мор.* денгиз ва океанларда қатнайдиган тезюрар йирик пассажир кемаси: **океа́нский ~** океан лайнери; 2 *ав.* йирик самолёт; **возду́шный ~** ҳаво лайнери).

ЛАК I *м* лак; *см.* **ла́ки.**

ЛАК II *м* лок; **~ для о́буви** пойафзал локи; **покры́ть ~ом** локламоқ, лок суртмоқ (бермоқ).

ЛАКА́ТЬ *несов. что* 1 (*сов.* **лакну́ть**) ялаб (шалп-шалп қилиб) ичмоқ, чапиллатмоқ (ҳайвонлар ҳақида); **котёнок лака́ет молоко́** мушук бола сутни чапиллатиб ичмоқда; 2 *прост. неодобр.* муккасидан кетиб ичмоқ, кўп ичмоқ (спиртли ичимликни).

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЛАКЕ/Й *м* 1 хизматкор, қарол, малай; **придво́рный ~й** сарой хизматкори; 2 *перен. презр.* малай, лаганбардор, хушомадгўй; **~и империали́зма** империализм малайлари.

ЛАКЕ́ЙНИЧАТЬ *несов. разг. то же, что* **лакéйствовать.**

ЛАКЕЙСК/ИЙ, -ая, -ое 1 хизматкорга ва хизматкорликка оид; хизматкор...; хизматкорлик...; **~ая слу́жба** хизматкор(лик) иши; хизматкорлик, малайлик; **~ая ливре́я** хизматкорларнинг ливреяси (формали кийими); 2 *перен. презр.* хизматкорга, малайларга хос; хушомадли, ялтоқ, итоаткорона; **~ие манéры** хизматкорларга хос хулқ-атвор; 3 *в знач. сущ.* **~ая** *ж* хизматкорлар хонаси, қаролхона.

ЛАКЕ́ЙСТВО *с* 1 хизматкорлик, малайлик; 2 *перен. презр.* малайлик, хушомадгўйлик, лаганбардорлик, ялтоқлик.

ЛАКЕЙСТВОВАТЬ *несов. перед кем презр.* хушомадгўйлик (лаганбардорлик) қилмоқ, ялтоқланмоқ.

ЛАКИ *мн. (ед.* **лак** *м)* лаклар (Доғистон АССР нинг туб халқларидан бири).

ЛАКИРОВАЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое локлайдиган, лок суртадиган; локлаш...; **~ая маши́на** локлаш машинаси.

ЛАКИРОВА́НИЕ *с по гл.* **лакирова́ть; ~ мéбели** мебелларни локлаш.

ЛАКИРОВА́ННЫЙ, -ая, -ое 1 *прич. от* **лакирова́ть**; 2 *в знач. прил.* локланган, лок билан пардоз берилган, ялтиратилган; **~ая ко́жа** локланган чарм, амиркон тери; 3 *перен. в знач. прил.* ялтироқ, топ-тоза; **~ые зу́бы** топтоза (оппоқ) тишлар.

ЛАКИРОВА́ТЬ, -ру́ю, -ру́ешь *несов. что* 1 локламоқ, лок суртмоқ, лок билан пардоз бермоқ, ялтиратмоқ; **~ мéбель** мебелни локламоқ; 2 *перен.* бўяб (пардозлаб) кўрсатмоқ; **~ действи́тельность** ҳақиқатни бўяб кўрсатмоқ.

ЛАКИРОВА́ТЬСЯ, -ру́ется *несов.* 1 локни (яхши) олмоқ; локланмоқ; **э́то дéрево хорошо́ лакиру́ется** бу ёғоч яхши локланади; 2 *страд. от* **лакирова́ть** 1.

ЛАКИРО́ВКА *ж* 1 *по гл.* **лакирова́ть; ~ ко́жи** терини локлаш; **~ действи́тельности** ҳақиқатни бўяб (пардозлаб) кўрсатиш; 2 лок қатлами, лок; **~ потрéскалась** лок қатлами (локи) ёрилиб-ёрилиб кетибди.

ЛАКИРО́ВОЧН/ЫЙ, -ая, -ое 1 локлайдиган локлаш...; **~ая маши́на** локлаш машинаси; **~ый цех** локлаш цехи; 2 *перен.* бўяб (пардозлаб) кўрсатадиган, хаспўшлайдиган, пардаловчи.

ЛАКИРО́ВЩИК *м* 1 локловчи, пардозловчи; 2 *перен.* бўяб (пардозлаб) кўрсатувчи, хаспўшловчи.

ЛАКИРО́ВЩИЦА *ж см.* **лакиро́вщик.**

ЛА́КМУС *м* 1 лакмус (тўқ бинафша ранг бўёқ модда); 2 *то же, что* **ла́кмусовая бума́га** *см.* **ла́кмусовый.**

ЛАКМУСОВ/ЫЙ, -ая, -ое лакмусга оид; лакмусли; лакмус...; ✦ **~ая бума́га** лакмус қоғоз (лакмус эритмаси шимдирилган, кислота таъсирида қизил тусга, ишқор таъсирида кўк тусга кирадиган қоғоз).

ЛАКНУ́ТЬ *сов. однокр. см.* **лака́ть** 1.

ЛАКОВ/ЫЙ, -ая, -ое 1 локка оид; локли; лок...; **~ый раство́р** лок эритмаси; **~ое произво́дство** лок ишлаб чиқариш; 2 локланган, лок суртилган; амиркон теридан ишланган; амиркон...; **~ая ко́жа** локланган чарм; амиркон тери; **~ые ту́фли** амиркон туфли; 3 *перен.* ялтироқ, тип-тиниқ, топ-тоза; ✦ **~ое дéрево** лок дарахти (асосан Хитой ва Японияда ўсадиган, пўстлогидан лок тайёрланадиган дарахт).

ЛАКОКРАСОЧН/ЫЙ, -ая, -ое лок ва бўёқ тайёрлашга оид; лок ва бўёқ...; лок-бўёқ; **~ый заво́д** лок-бўёқ заводи; **~ое произво́дство** лок ва бўёқ ишлаб чиқариш; **~ое покры́тие** лок-бўёқ қопламаси; лок бўёқлар билан қоплаш.

ЛАКОМИТЬ, -млю, -мишь *несов. кого-что уст.* ширинлик бериб боқмоқ, ширин (лаззатли) таомлар едирмоқ (бермоқ).

ЛАКОМИ́ТЬСЯ, -млюсь, -мишься *несов. чем* еб маза қилмоқ (лаззатланмоқ), маза қилиб ширин (лаззатли) таомлар емоқ; **~ варе́ньем** мураббо еб маза қилмоқ; маза қилиб мураббо емоқ.

ЛАКО́МКА *м* и *ж, р. мн.* **-мок** *разг.* ширинхўр, ширинтомоқ.

ЛАКО́МСТВО *с* 1 *мн.* **~а** ширинлик, ширавор; **охо́тник до ~** ширинхўр, ширинликни хуш кўрадиган одам; 2 лаззатли (мазали) таом, хушхўр овқат.

ЛАКО́М/ЫЙ, -ая, -ое 1 ширин, тотли, мазали, лаззатли, хушхўр; **~ое блю́до** мазали овқат; 2 *перен. до чего* или *на что разг.* бирор нарсага ўч, ўрганган, ҳирс қўйган, ишқивоз; **~ый до сла́дкого** ширинликка ўч; **~ый на подноше́ния** совға олишга ўрганган; ✦ **~ый кусо́к** оғиз сувини келтирадиган (суюқлантирадиган) нарса.

ЛАКОНИ́ЗМ *м* лаконизм, қисқа ва аниқлик, лўндалик; фикрни қисқа (лўнда) ифодалаш; **~ выраже́ния** ифоданинг қисқа ва аниқлиги (лўндалиги).

ЛАКОНИ́ЧЕСКИЙ, -ая, -ое *то же, что* **лакони́чный; ~ отве́т** лўнда жавоб.

ЛАКОНИ́ЧНОСТЬ *ж* қисқа ва аниқлик, лўндалик, ихчамлик; фикрни лўнда ифодалаш; **отлича́ться ~ю** қисқа ва аниқлиги билан ажралиб турмоқ.

ЛАКОНИ́ЧН/ЫЙ, -ая, -ое; -чен, -чна қисқа ва аниқ, ихчам, лўнда; **~ая на́дпись** қисқа ва аниқ ёзув; **~ый стиль** ихчам услуб.

ЛАКРИ́ЦА *ж бот.* 1 қизилмия, ширинмия; 2 қизилмия илдизи.

ЛАКРИ́ЧНЫЙ, -ая, -ое қизилмияга оид; қизилмия...; **~ порошо́к** қизилмия порошоги; **~ сок** қизилмия суви.

ЛАКСКИЙ, -ая, -ое лакларга оид; лак(лар)...; **~ язы́к** лак тили.

ЛАКТАЦИО́ННЫЙ, -ая, -ое лактацияга оид; лактацион; лактация...; **~ пери́од** лактацион давр, сут бериш даври, эмизиш даври.

ЛАКТА́ЦИЯ *ж физиол.* лактация (сут безларида сут ҳосил бўлиши, сут келиши).

ЛАКТО́ЗА *ж* лактоза, сут шакари (сут таркибида бўладиган шакар моддаси).

ЛАКТОМЕ́ТР *м* лактометр (сутнинг солиштирма оғирлигини ўлчайдиган асбоб).

ЛАКТОСКО́П *м* лактоскоп (сут таркибидаги мой миқдорини ўлчайдиган асбоб).

ЛАКУ́НА *ж книжн.* лакуна, суқут (текстда тушиб қолган, етишмаган жой).

ЛАЛ *м уст.* лаъл.

ЛАЛОВЫЙ, -ая, -ое *уст.* лаълга (ёқутга) оид, лаъл кўзли; лаъл...; **~ пе́рстень** лаъл кўзли узук.

ЛАМА I *ж* лама (Жанубий Америка туяси).

ЛАМА II *м* лама (Тибет ва Мўғулистонда будда дини руҳонийси).

ЛАМАИЗМ *м* ламаизм (буддизмнинг, асосан, Тибет ва Мўғулистонда тарқалган оқими).

ЛАМАИСТ *м* ламаист, ламаизмга эътиқод қилувчи.

ЛАМАРКИЗМ *м* ламаркизм (француз табиатшуноси Ламаркнинг эволюцион таълимоти).

ЛАМБРЕКЕ́Н *м* ламбрекен (1 бўғот остига, эшик ёки дераза тепасига ишланган ўйма нақш; арақи; 2. Эшик ёки дераза пардасининг устки безакли қисми).

ЛАМЕНТА́ЦИИ *мн. (ед.* **ламента́ция** *ж) уст.* зорланиш, шиква-шикоят, ҳасрат, нола.

ЛАМИНА́РИЯ *ж* ламинария (денгиз ўсимликларининг йирик бир тури; Хитой, Корея ва Японияда овқатга ишлатилади).

ЛА́МПА *ж* 1 лампа, чироқ; **керосино́вая ~** керосин чироқ; **электри́ческая ~** электр лампа; **~ дневно́го све́та** кундузги ёруғлик лампаси; 2 лампа (баъзи асбоблар номи); **паяльная ~** қалайлаш (кавшарлаш) лампаси; **электро́нная ~** электрон лампа.

ЛАМПА́ДА *ж* 1 лампада (икона, санам остига ёқиб қўйиладиган жинчироқ); 2 *уст. поэт.* чироқ, лампа.

ЛАМПА́ДК/А *ж, р. мн.* **-док** *уменьш. от* **лампа́да** чироқча, кичкина чироқ, жинчироқ; **свет ~и** чироқча нури.

ЛАМПА́ДН/ЫЙ, -ая, -ое лампадага оид; лампада...; **~ое ма́сло** лампада ёғи.

ЛАМПА́С *м* лампас, ён ҳошия (формали шимнинг

www.ziyouz.com kutubxonasi

икки ён чоки бўйлаб тикилган рангдор ҳошия); **генера́льские ~ы** генераллар шимининг ён ҳошияси.

ЛАМПИО́Н *м* лампион (безаш учун ҳар хил қоғоз ёки шишадан ясалган кичкина фонусча).

ЛА́МПОВ|ЫЙ, -ая, -ое 1 лампага оид; лампали; лампа...; **~ое стекло́** лампа шиша; **~ый приёмник** лампали приёмник; 2 *в знач. сущ.* **~ая** *ж* лампахона (кончилар ва темир йўлчиларнинг лампалари сақланадиган хона).

ЛА́МПОЧК|А *ж, р. мн.* **-чек** 1 *уменьш. от* **ла́мпа** кичик лампа, лампача, чироқча; **потуши́ть ~у** чироқчани ўчирмоқ; 2 электр лампа, лампочка; **вы́вернуть ~у из патро́на** патронидан лампочкани бураб олмоқ; ✦ **до ~и** *что кому прост.* бари бир, аҳамияти йўқ.

ЛАНГЕ́Т *м* лангет (япроқ-япроқ қилиб кесилган гўштдан тайёрланадиган овқат).

ЛАНГУ́СТ *м* и **ЛАНГУ́СТА** *ж* лангуст (денгизда яшайдиган катта қисқичбақа; овқат учун ишлатилади).

ЛА́НДВЕР *м* ландвер (1 Германия ва Австро-Венгрияда: иккинчи навбат запасдаги ҳарбий хизматга мажбур киши; 2 шундай кишилардан тузилган ҳарбий қисм).

ЛА́НДКАРТА *ж уст.* географик карта.

ЛАНДО́ *с нескл.* ландо (тўрт кишилик буклама соябонли арава).

ЛА́НДСКНЕХТ *м* 1 ландскнехт (Ўрта асрларда Европада: ёлланма солдат, аскар); 2 *перен. презр.* сотқин, хоин, малай; **~ы империали́зма** империализм малайлари.

ЛА́НДТАГ *м* ландтаг (Германия, Австрия ва бошқа баъзи давлатларда маҳаллий ҳукумат).

ЛА́НДШАФТ *м* 1 ландшафт, манзара; 2 ландшафт (қишлоқ манзараси тасвирланган расм, сурат); 3 *геогр.* ландшафт (тупроғи, иқлими ва ш. к. хусусиятлари бир хил бўлган географик район); **го́рный ~** тоғли ландшафт.

ЛА́НДШАФТН|ЫЙ, -ая, -ое ландшафтга оид; ландшафт...; **~ая жи́вопись** қишлоқ манзарасининг тасвири; қишлоқ манзарасини тасвирлаш; **~ые зо́ны** ландшафт зоналари.

ЛА́НДЫШ *м* марваридгул.

ЛА́НДЫШЕВ|ЫЙ, -ая, -ое марваридгулга оид; марваридгул...; **~е ли́стья** марваридгул барглари; **~е ка́пли** марваридгулдан тайёрланадиган томчи дори.

ЛА́НИТЫ *мн. (ед.* **ланита** *ж) уст. поэт.* бет, башара.

ЛА́НКА *ж, р. мн.* **-нок** ургочи буғу.

ЛАНОЛИ́Н *м* ланолин (қўй юнгини ювганда чиқадиган сарғиш мой; ҳар хил техника мойлари, совун ва ҳ. к. тайёрлаш учун ишлатилади).

ЛАНОЛИ́НОВ|ЫЙ, -ая, -ое ланолинга оид; ланолинли; ланолин...; **~ое мы́ло** ланолин(ли) совун; **~ый крем** ланолин(ли) крем.

ЛАНТА́Н *м* лантан (химиявий элемент, оқ металл).

ЛАНЦЕ́Т *м мед.* ланцет (дудама, хирурглар ишлатари).

ЛАНЦЕ́ТНИК *м* ланцетник (ништар шаклли денгиз ҳайвони).

ЛАНЦЕ́ТН|ЫЙ, -ая, -ое 1 ланцетга (ништарга) оид; ланцет...; **~ый футля́р** ланцет (ништар) қини, ғилофи; 2 *бот.* ланцетга ўхшаган, ништарсимон; **~ые ли́стья** ништарсимон барглар.

ЛА́НЬ *ж* лань (буғуларга мансуб жуфт туёқли ҳайвон).

ЛАО́СЕЦ *м, р.* **-сца** лаослик киши, лаос; *см.* **лао́сцы.**

ЛАО́СКА *ж, р. мн.* **-сок** *см.* **лао́сцы.**

ЛАО́СЦЫ *мн. (ед.* **лао́сец** *м,* **лао́ска** *ж)* лаосликлар, лаослар (Лаоснинг асосий аҳолисини ташкил этган халқ).

ЛАО́ТЯНЕ *мн. (ед.* **лаотя́нин** *м,* **лаотя́нка** *ж) то же, что* **лао́сцы.**

ЛАП|А *ж* 1 оёқ, панжа (ҳайвонларда ва қушларда); пайпоқ (туяда); **медве́жья ~а** айиқнинг оёғи (панжаси); **гуси́ная ~а** ғознинг оёғи (панжаси); 2 *прост.* қўл; оёқ; — **Здра́вствуй,— проговори́л хози́ин, протя́гивая свою́ ~у** (Мамин-Сибиряк)— Салом,— деди хўжайин, қўлини узатар экан; 3 *чего или какая* япалоқ барг, шох (игна баргли дарахтларнинг шохи ҳақида); **~ы е́ли** қора қарағай шохлари; 4 *спец.* тирноқ (ёғоч-тахта буюмларнинг бирикиш жойида); 5 *спец.* лапа (турли асбобларнинг оёқ кафтига ўхшатиб қайрилган томони ва шундай асбоблар нинг ўзи); **~а я́коря** лангарнинг лапаси; **сапо́жная ~а** дупоя (этикдўзлик асбоби); **б** *с.-х.* тиш (культиватор, плуг, омоч ва ш. к. нинг ўткир учли қисми); ✦ **попа́сть в ~ы** *разг.* чангалига тушмоқ; **вы́рваться из ~ чьих** *разг.* чангалидан чиқмоқ (қутулмоқ); **наложи́ть ~у** *разг.* ўзига қаратиб олмоқ, бўйсундирмоқ; **запусти́ть ~у** *во что разг.* чанг солмоқ, қўл чўзмоқ; **дать на ~у** *прост.* пора бермоқ; **брать в ~у** *прост.* пора олмоқ.

ЛАПА́ТЬ *несов. что прост.* ушламоқ, ушлаб кўрмоқ, тегмоқ; **~ рукой́** қўл урмоқ (тегизмоқ).

ЛАПИДА́РНОСТЬ *ж книжн.* лўндалик ва аниқлик; **~ изрече́ния** иборанинг лўндалиги.

ЛАПИДА́РНЫЙ, -ая, -ое; -рен, -рна лўнда ва аниқ; **~ стиль** лўнда ва аниқ услуб.

ЛА́ПК|А *ж, р. мн.* **-пок** 1 *уменьш. от* **ла́па** панжача, кичкина панжа, кичкина оёқ; 2 *мн.* **~и** поча (ҳайвон оёқларининг териси, мўйнаси); ✦ **стоя́ть на за́дних ~ах** *перед кем* хушомадгўйлик (лаганбардорлик) қилмоқ, оёғини ўпмоқ.

ЛАПЛА́НДЕЦ *м, р.* **-дца** лапланд; *см.* **лапла́ндцы.**

ЛАПЛА́НДКА *ж, р. мн.* **-док** лапланд аёл; *см.* **лапла́ндцы.**

ЛАПЛА́НДСКИЙ, -ая, -ое Лапландияга ва лапландларга (саамларга) оид; Лапландия...; лапланд(лар)...

ЛАПЛА́НДЦЫ *мн. (ед.* **лапла́ндец** *м,* **лапла́ндка** *ж) уст.* лапландлар (саамларнинг эскирган номи).

ЛАПНИ́К *м собир. разг.* қорақарагайнинг кесилган шохлари.

ЛАПОТНИ́К *м уст.* 1 чиптаковушчи, чиптаковуш тўқувчи одам; 2 чиптаковушни судраган одам; камбағал (ночор) деҳқон; 3 *перен. прост. груб.* нодон (жоҳил, қолоқ) одам; қора, авом.

ЛАПОТНИ́ЦА *ж уст. см.* **ла́потник** 2.

ЛАПОТН|ЫЙ, -ая, -ое 1 чиптаковушга оид; чиптаковуш...; **~ое ды́ло** чиптаковуш тўқиладиган пўстлоқ; 2 *перен.* қора, қолоқ, орқада қолган, чиптаковушдан чиқмаган; **~ая дере́вня** қолоқ (чиптаковушдан чиқмаган) қишлоқ.

ЛА́ПОТЬ *м, р.* **-пти,** *мн.* **ла́пти,** *р.* **-е́й** 1 чиптаковуш; **ходи́ть в лаптя́х** чиптаковуш кийиб юрмоқ; 2 *прост.* нодон (жоҳил) одам, қолоқ (қора) одам; ✦ **ла́птем щи хлеба́ет** *разг. шутл.* жуда қолоқ, нодон одам ҳақида.

ЛА́ПОЧКА *ж, р. мн.* **-чек** 1 *уменьш. от* **ла́па** кичкина оёқ, панжа, оёқча, панжача; 2 азизам, жонгинам (кўпинча гўзал, дилбар, яқин аёлга нисбатан қўлланилади).

ЛА́ПТ|А *ж* 1 полка (ўйин); **игра́ть в ~у** полка ўйнамоқ; 2 чиллак (шу ўйинда коптокни уриш учун ишлатиладиган таёқ).

ЛА́ПУШКА *ж. р. мн.* **-шек** *то же, что* **ла́почка** 2.

ЛАПЧА́ТКА *ж* ғозпанжа, бешбарг, ерчой (ўтсимон ўсимлик).

ЛАПЧА́Т|ЫЙ, -ая, -ое 1 туташпанжали; **~ая пти́ца** туташпанжали қуш; 2 панжасимон, панжага ўхшаш; **~ый лист** панжасимон барг; 3 панжасимон тишли, панжали, лапали; **~ая борона́** панжали мола; ✦ **гусь ~ый** *прост.* илоннинг ёғини ялаган одам; ўтакетган фирибгар, муттаҳам, қув.

ЛА́ПШ|А *ж* 1 угра, увра; 2 угра ош; 3 *перен.* бўшанг одам, латта; ✦ **в ~у́ искроши́ть** (или **изруби́ть**) тилка-порасини чиқармоқ, дабдала қилмоқ.

ЛАРЁК *м, р.* **-рька́** ларёк, дўкон, дўконча.

ЛАРЕ́Ц *м, р.* **-рца́** чиройли кутича, нафис сандиқча.

ЛАРЁЧНИК *м разг.* дўкончи, дўкондор; ларёк сотувчиси.

ЛАРЁЧНИЦА *ж разг. см.* **ларёчник.**

ЛАРЁЧНЫЙ, -ая, -ое ларёкка (дўконга) оид; ларёк..., дўкон...

ЛАРИНГИ́Т *м* ларингит (ҳиқилдоқ шиллиқ пардасининг яллиғланиши).

ЛАРИНГО́ЛОГ *м* ларинголог (ҳиқилдоқ касалликлари врачи).

ЛАРИНГОЛОГИ́ЧЕСК|ИЙ, -ая, -ое ларингологияга оид; ларингологик, ларингология...

ЛАРИНГОЛО́ГИЯ *ж* ларингология (ҳиқилдоқ анатомияси, физиологияси ва касалликлари ҳақидаги фан).

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЛАРИНГОСКО́П *м* ларингоскоп (ҳиқилдоқ ва унинг ички деворларини кўрадиган асбоб).

ЛАРИНГОСКОПИ́ЧЕСК/ИЙ, -ая, -ое ларингоскопияга оид; ларингоскопик; ларингоскопия...; **~ое иссле́дование** ларингоскопик текшириш.

ЛАРИНГОСКОПИ́Я *ж* ларингоскопик (ҳиқилдоқ ва унинг ички деворларини ларингоскоп ёки бошқа асбоблар ёрдамида текшириш).

ЛАРИНГОФО́Н *м* ларингофон (микрофоннинг бир тури).

ЛА́РЧИК *м то же, что* **ларе́ц; ✦ а ~ про́сто открыва́лся** оппа-осон (кўриниб турган, бош қотирадиган жойи йўқ) экан (эди).

ЛА́РЬ *мн., р.* **-ов** и **лар** *(ед.* **лар** *м) миф.* руҳ, арвоҳ (қадимги римликларнинг эътиқодига кўра: ота-боболарнинг барҳаёт авлодларга ҳомийлик қилувчи руҳи).

ЛА́РЬ *м, р.* **-ря́** 1 хампа, кандик; **~ с мукой́** унли хампа, ун солинган кандик; 2 *уст.* дўкон, дўконча, ларёк; 3 *спец.* нов, нова, яшик.

ЛАС/А *ж уст.* и *прост.* ялтироқ доғ, тақир; **~ы на брю́ках** шимдаги ялтироқ доғлар, тақир (тақири чиққан) жойлар.

ЛА́СИНА *ж уст.* и *прост. то же, что* **ла́са.**

ЛА́СК/А I *ж, р. мн.* **ласк** 1 эркалаш, эркалатиш, суйиш, силаб-сийпаш, навозиш (қилиш), меҳр; **материнская ~а** оналик меҳри; **расточа́ть ~и** ҳадеб эркалатмоқ, эркалайвермоқ; 2 илтифот, лутф, карам, рўйихушлик, меҳрибонлик; **спаси́бо за ~у** меҳрибонлигингиз учун раҳмат.

ЛА́СКА II *ж, р. мн.* **ла́сок** латча, ариқ сичқони (сувсарларга мансуб кичкина йиртқич ҳайвон).

ЛАСКА́ТЕЛЬНЫ/Й, -ая, -ое; -лен, -льна 1 эркалатиб (суйиб) айтилган; эркаловчи, эркалатувчи, ёқимли, ширин; **~е слова́** эркаловчи сўзлар, эркалаш сўзлари; 2 *уст.* хушомадли, хушомадгўй, тилёғлама; **говори́ть ~м то́ном** хушомадгўйлик (тилёғламалик) билан гапирмоқ; **✦ ~е су́ффиксы** *грам.* эркалаш (эркалатиш) суффикслари.

ЛАСКА́ТЬ *несов. кого-что* 1 эркаламоқ, эркалатмоқ, силаб-сийпамоқ, навозиш қилмоқ; суймоқ; **~ ребёнка** болани эркаламоқ (суймоқ); 2 *перен.* хуш келмоқ, ёқмоқ, завқ бермоқ; **кра́ски ласка́ют взор** бўёқлар кўзга ёқади (кўзни қувонтиради); 3 *перен. кого* лутф айламоқ, илтифот кўрсатмоқ, меҳрибонлик (карам) қилмоқ; 4 *перен. чем уст.* юпатмоқ, тасалли (таскин) бермоқ; **✦ ~ (себя́) наде́ждой** умид қилиб ўзини юпатмоқ.

ЛАСКА́ТЬСЯ *несов.* 1 *к кому* эркаланмоқ, эркалик қилмоқ; **~ к ма́тери** онасига эркалик қилмоқ; 2 *к кому* и *без доп. уст.* хушомад қилмоқ; суркалмоқ; 3 *чем уст.* ўзини юпатмоқ, ўзига тасалли (таскин) бермоқ.

ЛА́СКОВО *нареч.* 1 эркалик билан, эркаланиб; эркалаб, эркалатиб, силаб-сийпаб; 2 хушмуомалалик (ширинсўзлик) билан, мулойим.

ЛА́СКОВ/ЫЙ, -ая, -ое 1 ёқимли, ёқимтой, суюмли; **~ый ребёнок** ёқимтой бола; **~ое обраще́ние** ёқимли муомала, хушмуомала; **~ый взгляд** ёқимли қараш; 2 *перен.* хуш келадиган, ёқадиган, майин, ёқимли; **~ый ве́тер** майин шамол, ёқимли (хуш ёқадиган) шабада; 3 хушмуомала, ширинсўз, мулойим, меҳрибон, мушфиқ.

ЛАССО́ *с нескл.* лассо, каманд (ҳайвонларни тутиш учун ташланадиган сиртмоқли арқон).

ЛА́СТ *м* 1 куракоёқ (сувда сузадиган баъзи ҳайвон ва қушларнинг туташпанжали оёғи); 2 *мн.* **~ы** ласт (сувда сузиш учун икки оёқ учига кийиладиган мослама); **рези́новые ~ы** резинка ласт.

ЛА́СТИК I *м* ластик (астарлик товар).

ЛА́СТИК II *м* 1 ластик (резинка ип қўшиб тўқилган чўзилувчи тасма); 2 *разг.* ўчиргич, резинка.

ЛА́СТИКОВ/ЫЙ I, -ая, -ое ластик I га, товарга оид; ластик... товар...; **~ая подкла́дка** ластик (товар) астар.

ЛА́СТИКОВЫЙ II, -ая, -ое ластик II га оид; ластикли; ластик...; **~ по́яс** ластик (резинкали) камар.

ЛА́СТИТЬСЯ, ла́щусь, ла́стишься *несов. к кому* и *около кого разг.* эркаланмоқ, эркалик қилмоқ, суйкалмоқ, ёпишмоқ; **~ к ма́тери** онасига эркаланмоқ.

ЛАСТОВИ́ЦА *ж* қулфак, хиштак (кўйлакнинг қўлтиғига одатда бошқа рангдаги ёки ўзга материалдан солинган парча).

ЛАСТОНО́ГИЕ *мн., р.* **-их** *зоол.* куракоёқлилар (денгиз ҳайвонларининг бир туркуми).

ЛА́СТОЧКА *ж, р. мн.* **-чек** 1 қалдирғоч; 2 *разг.* жоним, жонгинам; жоним қоқиндиқ (аёлларга, қизларга, болаларга нисбатан ишлатилади); **будь сча́стлива, ~ мой!** бахтли бўл, жонгинам!; 3 *спорт.* ласточка (гавданинг учиб бораётган қушни эслатувчи вазияти); **✦ пе́рвая ~** биринчи қалдирғоч; биринчи аломат (белги).

ЛА́СТОЧКИН, -а, -о қалдирғочга оид; қалдирғоч...; **~о щебета́нье** қалдирғочнинг вижирлаши (вижир-вижири); **~ о гнездо́** қалдирғоч ини (уяси).

ЛАТА́НИЯ *ж* латания (пальмагуллиларга мансуб, елпигичсимон баргли доим яшил ўсимлик).

ЛА́ТАНЫ/Й, -ая, -ое ямалган, ямоқ солинган, ямоқли, ямоқ-самоқ, ямоқ-ясқоқ, ямоқ-ямоқ; **~е брю́ки** ямоқ-самоқ шим.

ЛА́ТАТЫ: зада́ть ~ *прост.* ура қочмоқ, қочиб кетмоқ, жуфтакни ростламоқ.

ЛАТА́ТЬ *несов. что прост.* ямамоқ, ямоқ солмоқ, ямаб-ясқаб бутунламоқ; **~ оде́жду** кийимни ямамоқ.

ЛАТВИ́ЕЦ *м, р.* **-и́йца** латвиялик киши; *см.* **латви́йцы.**

ЛАТВИ́ЙКА *ж, р. мн.* **-и́ек** латвиялик аёл; *см.* **латви́йцы.**

ЛАТВИ́ЙСК/ИЙ, -ая, -ое Латвияга ва латвияликларга оид; Латвия...; латвияликлар...; **~ое иску́сство** Латвия санъати.

ЛАТВИ́ЙЦЫ *мн. (ед.* **латви́ец** *м,* **латви́йка** *ж)* Латвия аҳолиси, латвияликлар.

ЛАТЕ́НТНОСТЬ *ж спец.* сиртдан билинмаслик, яширинлик; **~ боле́зни** касалликнинг яширинлиги.

ЛАТЕ́НТН/ЫЙ, -ая, -ое *спец.* сиртдан билинмайдиган, яширин; **~ый пери́од боле́зни** касалликнинг яширин даври; **~ая теплота́** яширин иссиқлик.

ЛАТИНИЗА́ЦИЯ *ж по гл.* **латинизи́ровать** и **латинизи́роваться; ~ алфави́та** алфавитни латинлаштириш; алфавитнинг латинлашуви.

ЛАТИНИЗИ́РОВА/ТЬ *сов.* и *несов.* 1 *кого-что* латинлаштирмоқ, латин тили ва маданиятини сингдирмоқ; 2 *что* латинлаштирмоқ, латин алфавитига кўчирмоқ (ўтказмоқ); **~ть пи́сьменность** ёзувни латин алфавитига кўчирмоқ.

ЛАТИНИЗИ́РОВАТЬСЯ 1 *сов.* и *несов.* латинлашмоқ, латин тили ва маданиятини ўзлаштирмоқ; 2 *несов. страд. от* **латинизи́ровать.**

ЛАТИНИ́ЗМ *м* латинизм (латин тилидан ўзлаштирилган сўз, ибора).

ЛАТИНИ́СТ *м* латинист, латиншунос (латин филологияси мутахассиси).

ЛАТИ́НИЦА *ж* латин алфавити, ёзуви.

ЛАТИНОАМЕРИКА́НЕЦ *м* Латин Америкаси мамлакатларидан бирида яшовчи киши.

ЛАТИНОАМЕРИКА́НСКИЙ, -ая, -ое Латин Америкасига ва Латин Америкаси халқларига оид; Латин Америкаси...

ЛАТИ́НСК/ИЙ, -ая, -ое 1 Қадимги Римга ва римликларга оид; Қадимги Рим... латин...; **~ий язы́к** латин тили; **~ий шрифт** латин шрифти; 2 *уст.* католикларга оид; католик(лар)...; **~ая ве́ра** католиклар дини.

ЛАТИ́НЯНЕ *мн. (ед.* **лати́нянин** *м,* **лати́нянка** *ж)* 1 латинлар (қадимги Италия области — Лациумда яшаган халқлар); 2 *уст.* католиклар.

ЛАТИ́НЯНИН *м* латин; *см.* **лати́няне.**

ЛАТИ́НЯНКА *ж, р. мн.* **-нок** латин аёл; *см.* **лати́няне.**

ЛАТИФУ́НДИЯ *ж* латифундия (заминдорларга қарашли катта ер-мулк).

ЛА́ТК/А *ж, р. мн.* **-ток** *прост.* ямоқ; **ста́вить ~у** ямоқ солмоқ.

ЛА́ТНИК *м ист.* совут кийган аскар, совутдор сипоҳ; **средневеко́вые ~и** Ўрта аср совутдор сипоҳлари.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЛАТУ́К *м* сутчўп, суттикон, чойяпроқ; **ядови́тый ~** коху (шираси медицинада беҳушлантириш учун ишлатиладиган гиёҳ).

ЛАТУ́КОВЫЙ, -ая, -ое сутчўпга оид; сутчўпдан олинган; сутчўп...

ЛАТУ́ННЫЙ, -ая, -ое жезга оид; жездан ясалган; жез...; **~ая про́волока** жез сим.

ЛАТУ́НЬ *ж* жез (мис ва руҳ қотишмаси); **листова́я ~ь** тахта (тахталанган) жез; **лист ~и** бир тахта жез.

ЛАТ/Ы *мн.* совут; **во́ин в ~ах** совут кийган аскар.

ЛАТЫ́НЬ *ж разг.* латин тили; **учи́ть ~** латин тилини ўрганмоқ; ✦ **вульга́рная ~** *см.* **вульга́рный.**

ЛАТЫ́Ш *м, р.* **-а́** латиш; *см.* **латы́ший.**

ЛАТЫ́ШИ *мн. (ед.* **латы́ш** *м,* **латы́шка** *ж)* латишлар (Латвия ССРнинг асосий аҳолисини ташкил этган халқ).

ЛАТЫ́ШКА *ж, р. мн.* **-шек** латиш аёл; *см.* **латы́ший.**

ЛАУРЕА́Т *м* лауреат; **~ междунаро́дного ко́нкурса** халқаро конкурс лауреати.

ЛА́ФА *в знач. сказ. прост.* омади келган (юрган); маза; яхши; **ему́ тепе́рь ~** унинг омади келган (юрган); унга энди маза.

ЛАФЕ́Т *м* лафет (тўп ўрнатилган станок).

ЛАФЕ́ТНЫЙ, -ая, -ое лафетга оид; лафетга ўрнатилган; лафет...; ✦ **~ая жа́тка** лафетли ўроқ машина (лафетга ўрнатиб трактторга тиркаладиган ўроқ машина).

ЛАФИ́Т *м уст.* лафит (қизил вино тури).

ЛАФИ́ТНИК *м уст. разг.* рюмка, қадаҳ.

ЛАЦКА́Н *м* қайтарма ёқа; **~ы пальто́** пальтонинг (қайтарма) ёқаси.

ЛАЦЦАРО́НИ *м нескл.* лаццаронлар (Италияда: мискинлар, қашшоқлар, камбағаллар).

ЛАЧУ́ГА *ж* фақирона уй, кулба, капа; олачиқ; **бе́дная ~** фақирона уй.

ЛАЧУ́ЖКА *ж, р. мн.* **-жек** *уменьш. от* **лачу́га** кулбача, капача.

ЛАЮЩИЙ, -ая, -ее 1 *прич. от* **ла́ять;** 2 *в знач. прил.* хириллаган бўғиқ; хирилдоқ; **~ го́лос** хириллаган (хирилдоқ) овоз.

ЛА́ЯТЬ *несов.* 1 вовулламоқ, увилламоқ, увламоқ; акилламоқ, ҳурмоқ; **соба́ка ла́ет** ит ҳурмоқда; 2 *перен. что прост.* акилламоқ, сўкмоқ, койимоқ.

ЛА́ЯТЬСЯ *несов. прост.* акилламоқ, сўкинмоқ, сўкмоқ.

ЛГАНЬЁ *с* 1 *по гл.* **лгать;** 2 ёлғон гап, ёлғон-яшиқ, уйдирма.

ЛГАТЬ, лгу, лжёшь *несов.* 1 ёлғон гапирмоқ, ёлғонламоқ; алдамоқ; 2 *на кого* туҳмат қилмоқ, бўҳтон ағдармоқ.

ЛГУН *м, р.* **-а́** ёлғончи, алдоқчи, алдамчи, ёлғон гапирувчи.

ЛГУ́НЬЯ *ж, р. мн.* **-ний** *см.* **лгун.**

ЛЕБЕДА́ *ж* олабута, шўра.

ЛЕБЕДЁНОК *м, р.* **-нка,** *мн.* **-дя́та** оққушча; оққуш боласи.

ЛЕБЕДИ́Н/ЫЙ, -ая, -ое 1 оққушга оид; оққуш...; **~ые пе́рья** оққуш патлари; 2 *перен.* оққушни эслатадиган, басавлат, виқорли; **~ая по́ступь** виқорли юриш, кўкрак кериб юриш, ғоз юриш; ✦ **~ая пе́сня (песнь)** ҳаётдаги сўнгги асар (иш ва ҳ. к.).

ЛЕБЁДКА I *ж, р. мн.* **-док** 1 мода (урғочи) оққуш; 2 *нар.-поэт.* жонгинам, азизам (аёлларга мурожаатда ишлатилади).

ЛЕБЁДКА II *ж, р. мн.* **-док** *спец.* лебедка, чиғир (юк кўтарадиган машина); **ручна́я ~** қўл чиғир.

ЛЕБЕДО́ВЫЙ, -ая, -ое олабутага (шўрага) оид; олабутадан (ёки олабута қўшиб) қилинган; олабута...; ...шўра...; **~хлеб** олабута нон.

ЛЕБЕДО́ЧН/ЫЙ, -ая, -ое лебедкага оид; лебедка...; **~ый кана́т** лебедка (чиғир) арқони; **~ая трелёвка ле́са** кесилган ёғочларни лебедка билан (ёрдамида) ташиш.

ЛЕБЁДУШКА *ж нар.-поэт. ласк. от* **лебёдка** I.

ЛЕБЕДЬ 1 *м, р. мн.* **-де́й** оққуш, қув; **бе́лый ~** оққуш; **чёрный ~** қора оққуш, қора қув; 2 *ж, р.* **-и** *нар.-поэт.* жоним, жонгинам, азизам (аёлларга мурожаатда ишлатилади).

ЛЕБЕЗИ́ТЬ, -ежу́, -ези́шь *несов. перед кем разг.* тилёғламалик қилмоқ, хушомад (сипориш) қилмоқ.

ЛЕБЯЖИЙ, -ья, -ье 1 оққушга (қувга) оид; оққуш..., қув...; **~ пух** оққуш пари, парқув; 2 *перен. нар.-поэт.* оққушни эслатадиган, виқорли, басавлат.

ЛЕВ I *м, р.* **льва** шер, арслон; ✦ **све́тский ~** жон офати, офатижон (аристократик жамиятда: хотинларнинг юрагидан урадиган мартабаси улуғ, басавлат эркак); **морско́й ~** денгиз арслони (куракоёқли денгиз ҳайвони).

ЛЕВ II *м, р.* **ле́ва** лев (Болгарияда: пул бирлиги).

ЛЕВАДА *ж* левада (1 *обл.* СССР Европа қисмининг жанубида: тошқин вақтида сув босадиган дарахтзорлар; 2 *обл.* ҳовли ёнидаги майсазор майдон, боғ; 3 *с.-х.* яйловнинг от боқиш, от совитиш ва ш. к. учун ажратилган қисми).

ЛЕВАК *м, р.* **-а́** 1 *разг.* сўл оппортунист, сўл (ўзининг майда буржуача қарашларини революцион сўзлар, шиорлар билан ниқобловчи оппортунист); 2 *прост.* чапчи (давлат мол-мулкини ўз манфаати учун четга оширувчи ёки четдан иш олиб ишловчи шахс).

ЛЕВАЦК/ИЙ, -ая, -ое сўлларга оид, хос; сўлларча; сўл...; **~ое поведе́ние** сўлларга хос (сўлларча) хатти-ҳаракат; **~ие взгля́ды** сўлларга хос (сўлларча) қараш; **~ий укло́н** сўл оғмачилик.

ЛЕВАЧЕ́СТВО *с* 1 сўллик, сўлчилик; сўлларча қараш, иш тутиш; сўлларча сиёсат; 2 *прост.* чапчилик; чапга (четга) ошириш; четдан иш олиб ишлаш; **пресе́чь ~** чапчиликка барҳам бермоқ.

ЛЕВАЧЕ́СКИЙ, -ая, -ое сўлларга оид, хос; сўлларча; сўллик...

ЛЕВЕ́ТЬ *несов.* сўллашмоқ (фикр ва маслакда сўл сиёсий партияларга ёндашмоқ, яқинлашмоқ).

ЛЕВАЧИТЬ *несов. разг.* чапчилик қилмоқ, чапга (четга) оширмоқ; четдан иш олиб ишламоқ.

ЛЕВИАФА́Н *м* левиафан (1 библияда: баҳайбат афсонавий денгиз ҳайвони ёки учар аждар; 2 *книжн.* жуда катта, баҳайбат ёки кучли нарса, кимса ҳақида).

ЛЕВИЗНА *ж* сўллик, сўлчилик (ижтимоий-сиёсий ҳаракатда, ҳаётда).

ЛЕВКО́Й *м* шаббўй (крестгуллиларга мансуб хушбўй гулли декоратив ўсимлик).

ЛЕ́ВО: где пра́во, где ~ *разг. шутл.* ўнг томон қаёқда-ю, чап томон қаёқда; **~ руля́!, ле́во на борт!** чапга (чапга бур)! (кемаларда бериладиган команда).

ЛЕВОБЕРЕЖН/ЫЙ, -ая, ое чап қирғоқдаги (соҳилдаги), чап қирғоқда жойлашган.

ЛЕВОБЕРЕ́ЖЬЕ *с* дарёнинг чап қирғоғи (соҳили); чап қирғоқдаги ерлар, жойлар.

ЛЕВОСТОРО́НН/ИЙ, -яя, -ее чап, сўл; чап томондаги, чап томонда жойлашган; **~ее воспале́ние лёгких** ўпка чап томонининг яллиғланиши.

ЛЕВОФЛА́НГОВЫЙ, -ая, -ое 1 чап қанотдаги, чап қанотда жойлашган; чап қанот...; **~ уча́сток фро́нта** фронтнинг чап қаноти; 2 *в знач. сущ.* **~** *м* сафнинг чап қанотидаги солдат (машина ва ҳ. к.).

ЛЕВРЕ́ТКА *ж, р. мн.* **-ток** левретка (хонаки този итларнинг бир тури).

ЛЕВША́ *м и ж* чапақай.

ЛЕ́В/ЫЙ, -ая, -ое 1 чап, сўл, чап томондаги, чап томонда жойлашган; чапки; **~ая сторона́** чап томон; **по ~ую ру́ку** чап (қўл) томонда; **~ый фланг** чап қанот; 2 сўл (радикал ёки нисбатан радикал); **~ые фра́кции парла́мента** парламентдаги сўл фракциялар; 3 сўл (оғизда сўл, ҳақиқатда эса, майда буржуазия моҳиятига эга бўлган, оппортунистик); **~ый укло́н** сўл оғмачилик; 4 *разг.* чапга (четга) оширилган; иш жойидан четда қилинган; чап чўнтакка ишланган; **~ый рейс** чапга (четга) қилинган рейс; **~ые де́ньги** иш жойидан четда топилган (чап чўнтакка ишланган) пул; ✦ **встать с ~ой ноги́** чап ён (ёнбоши) билан турмоқ; авзойи бузуқ бўлмоқ; **как ~ая нога́ хо́чет** *чья* кўнгилга келганини қилади.

ЛЕГАВЫ́/Й, -ая, -ое 1 исковуч (ит ҳақида); **охо́та с ~ми** исковуч итлар билан ов қилиш; 2 *перен. прост.* жосус, айғоқчи, исковуч.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЛЕГАЛИЗА́ЦИЯ *ж по гл.* **легализова́ть** и **легализова́ться**; ~ **рабо́чих сою́зов** ишчилар союзларининг легаллашуви; ишчилар союзини легаллаштириш.

ЛЕГАЛИЗИ́РОВАТЬ *сов.* и *несов. то же, что* **легализова́ть**.

ЛЕГАЛИЗИ́РОВАТЬСЯ *сов.* и *несов.* 1 *то же, что* **легализова́ться**; 2 *страд. от* **легализи́ровать**.

ЛЕГАЛИЗОВА́ТЬ, -зу́ю, -зу́ешь *сов.* и *несов. кого-что* легаллаштирмоқ, қонунлаштирмоқ, расмийлаштирмоқ, қонуний (расмий) тусга киргизмоқ, қонуний (расмий) деб билмоқ (эълон қилмоқ).

ЛЕГАЛИЗОВА́ТЬСЯ, -зу́юсь, -зу́ешься 1 *сов.* и *несов.* легаллашмоқ, қонунлашмоқ, расмийлашмоқ, қонуний тусга кирмоқ, легал (очиқ) ҳолатга ўтмоқ; 2 *несов. страд. от* **легализова́ть**.

ЛЕГА́ЛЬНО *нареч.* легал равишда, қонуний (расмий) суратда, очиқ, ошкора.

ЛЕГА́ЛЬНОСТЬ *ж* легаллик, очиқлик.

ЛЕГА́ЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое; -лен, -льна легал, қонуний (расмий) равишда йўл қўйилган, очиқ, ошкора; ~**ая па́ртия** легал партия; ✦ ~**ый маркси́зм** легал марксизм (19-асрнинг 90-йилларида рус буржуа интеллигенцияси орасида пайдо бўлган ва ўз буржуача қарашларини марксизм байроғи остида легал матбуот орқали тарғиб қилишга интилган ғоявий, ижтимоий-сиёсий оқим).

ЛЕГА́Т *м* легат (1 Қадимги Римда: вилоят ҳокимлари ҳузуридаги ходим; 2 Рим папасининг дипломатик вакили; **па́пский** ~ папа легати).

ЛЕГА́ТО *нареч. муз.* легато (музика асарларини ижро этишда бир товушдан иккинчи товушга тўхтовсиз ва силлиқ ўтиш).

ЛЕГГО́РН *м* леггорн (сертухум оқ товуқ).

ЛЕГЕ́НД/А I *ж* 1 афсона, ривоят; оғиздан оғизга ўтиб келган достон; **средневеко́вые** ~**ы** ўрта аср афсоналари; 2 афсонавий гап, ҳикоя, афсона; уйдирма; **расска́зывать** ~**ы** *о чём-н.* бир нарса ҳақида афсонавий ҳикоя (гап) айтиб бермоқ; 3 ақл бовар қилмайдиган (мисли кўрилмаган, ҳайратомуз) иш; тилларда достон бўлган воқеа, ҳодиса; **по́двиг, ста́вший** ~**ой** оғизларда достон бўлиб қолган қаҳрамонлик.

ЛЕГЕ́НДА II *ж спец.* 1 матн (танга, чақа ва ҳ. к. даги ёзув); 2 легенда (сурат, план, карта ёки схемада берилган шарҳлар, изоҳлар).

ЛЕГЕНДА́РН/ЫЙ, -ая, -ое; -рен, -рна 1 афсонадан (ривоятдан) иборат бўлган; афсоналарда бўладиган, афсонавий; ~**ый расска́з** афсонавий ҳикоя; 2 *перен.* ақл бовар қилмайдиган, мисли кўрилмаган, тилларда достон бўлиб қолган, ҳайратомуз, афсонавий; ~**ая хра́брость** мисли кўрилмаган жасурлик, афсонавий жасорат; 3 *перен.* уйдирма, афсонавий; ~**ые слу́хи** уйдирма (афсонавий) гаплар.

ЛЕГИО́Н *м* 1 легион (Қадимги Римда: йирик аскарий отряд); 2 легион (баъзи мамлакатларда: махсус ҳарбий қисмларнинг номи); **иностра́нный** ~ ажнабий легион; 3 *перен.* сон-саноқсиз, беҳисоб, ниҳоятда кўп, кўпдан-кўп; **Ге́йне вы́звал це́лые** ~**ы подража́телей** (Писарев) Гейне беҳисоб (кўпдан-кўп) тақлидчиларни юзага келтирди.

ЛЕГИОНЕ́Р *м* легионер, легион солдати.

ЛЕГИОНЕ́РСКИЙ, -ая, -ое легионерга оид; легионер (лар)...

ЛЕГИ́РОВАНИЕ *с по гл.* **леги́ровать**.

ЛЕГИ́РОВАНН/ЫЙ, -ая, -ое 1 *прич. от* **леги́ровать**; 2 *в знач. прил.* легирланган; ~**ая сталь** легирланган пўлат.

ЛЕГИ́РОВАТЬ *сов.* и *несов. что* легирламоқ (металлга бошқа металл қўшиб физика-химиявий хусусиятларини яхшиламоқ); ~**сталь** пўлатни легирламоқ.

ЛЕГИ́РУЮЩ/ИЙ, -ая, -ее *спец.* легирловчи; ~**е эле́менты** легирловчи элементлар.

ЛЕГИСЛАТУ́РА *ж* легислатура (1 буржуа давлатларида: сайланма органларининг қонун билан белгиланган фаолият даври, ваколат муддати; 2 айрим чет мамлакатларда: қонун таъсис этувчи органлар мажмуи).

ЛЕГИТИМА́ЦИЯ *ж юр.* легитимация (1 бирор ҳуқуқ ёки ваколатнинг қонуний эканлигини эътироф этиш, тасдиқлаш; 2 ҳуқуқ ёки ваколатни тасдиқловчи ҳужжат); 3 легитимация, расмийлаштириш, қонунлаштириш (революциядан олдинги Россияда ва чет элларда: никоҳсиз эрхотиндан туғилган болаларни расмийлаштириш).

ЛЕГИТИМИ́ЗМ *м* легитимизм (19—20-асрларда Ғарбий Европада, асосан Францияда: давлат тузилишининг бош принципи ҳокимиятнинг наслдан-наслга мерос бўлиб ўтишидир, деб қараган сиёсий йўналиш).

ЛЕГИТИМИ́РОВАТЬ *сов.* и *несов.* қонуний деб топмоқ, қонуний тўғри деб билмоқ.

ЛЕГИТИМИ́СТ *м* легитимист, легитимизм тарафдори.

ЛЕГИТИМИ́СТКА, *ж, р. мн.* **-ток** *см.* **легитими́ст.**

ЛЕГИТИМИ́СТСКИ/Й, -ая, -ое легитимизмга оид; легитимизм руҳидаги; легитимистик; ~**е взгля́ды** легитимистик қарашлар.

ЛЕГИТИМНЫ/Й, -ая, -ое; -мен, -мна 1 қонуний; ~**е права́** қонуний ҳуқуқлар; 2 *то же, что* **легитими́стский**; ~**е убежде́ния** легитимистик эътиқодлар.

ЛЁГКИ/Е *мн., р.* **-их** (*ед.* **лёгкое** *с*) ўпка; **воспале́ние** ~**х** ўпка яллиғланиши, зотилжам.

ЛЕГК/ИЙ, -ая, -ое; лёгок, легка́, легко́; ле́гче, легча́йший 1 енгил, тоши енгил, тош босмайдиган, вазни кам; ~**ая но́ша** енгил юк; **боксёр** ~**ого ве́са** тоши енгил (енгил вазнли) боксчи; 2 юпқа, енгил, нозик, ҳарир, ҳилпирама; ~**ая мужска́я соро́чка** енгил (юпқа) эркаклар кўйлаги; ~**ая ткань** енгил (юпқа, ҳарир) газлама; 3 енгил, юпқа, юпун; ~**ое пальто́** юпка (юпун) пальто; 4 қушдай енгил, енгил, мўъжаз; ~**ая бесе́дка** мўъжазгина айвонча (қўшк); ~**ая коля́ска** қушдай енгил (мўъжаз) болалар аравачаси; 5 енгил, сингишли; енгил-елпи; ~**ая пи́ща** енгил (сингишли, тез ҳазм бўладиган) овқат; ~**ий за́втрак** енгил нонушта; енгил-елпи наҳорлик; ~**ий суп** сингишли шўрва; 6 енгил, равон, осойишта, текис; ~**ая похо́дка** енгил юриш, осойишта юриш; ~**ий прыжо́к** енгил сакраш; 7 осон, енгил, жўн, ўнғай; ~**ая зада́ча** осон масала; ~**ая рабо́та** осон иш; 8 содда, равон; ~**ий стиль** равон услуб; 9 енгил, кўнгил очар; ~**ая му́зыка** енгил (кўнгил очар) музика; ~**ая по́весть** енгил (кўнгил очар) повесть; 10 осонгина (осонлик билан) қўлга киритадиган, машаққатсиз бўладиган; бемашаққат; ~**ий за́работок** осонлик билан топилган пул; ~**ая побе́да** машаққатсиз қўлга кирган (бемашақат) ғалаба; 11 қийинчиликсиз (осонгина) ўтган, енгил, бехатар, хавфсиз, хатарсиз; ~**ий день** енгил кун; ~**ие ро́ды** енгилгина (осонлик билан) кўз ёриш; 12 енгил, кучсиз, бўш, анчаки; сезилар-сезилмас, билинар-билинмас; ~**ий моро́з** билинар-билинмас совуқ; ~**ий ве́тер** енгил шабада, насим; ~**ий арома́т цвето́в** гулларнинг сезилар-сезилмас ҳиди; ~**ая улы́бка** билинар-билинмас жилмайиш; 13 енгил, юзаки; ~**ая дремо́та** кўзи илиниш (уйқуга кетиш), пинакка кетиш; ~**ий сон** юзаки уйқу; қуш уйқуси; салгина ухлаб (мизғиб) олиш; 14 кучсиз, таъсирсиз, унча маст (таъсир) қилмайдиган; ~**ое вино́** кучсиз вино; ~**ий таба́к** кучсиз тамаки; 15 енгил, жиддий бўлмаган; юзаки, шунчаки; енгил-елпи; ~**ое отноше́ние к де́лу** ишга юзаки қараш (муносабат); ~**ий разгово́р** шунчаки суҳбат; енгил-елпи гап; ~**ие рассужде́ния** юзаки мулоҳазалар; 16 енгил, енгилтак, енгилоёқ, сарсари; енгилтаклик билан қилинган; ~**ые нра́вы** енгилтабиат, енгилтаклик, енгиллик; ~**ое поведе́ние** енгил юриш-туриш, енгилоёқлик, суюқоёқлик; 17 хушфеъл, мулойим, ройиш, чиқишқоқ, киришимли; ~**ий челове́к** хушфеъл (киришимли) одам; ~ **хара́ктер** хушфеъллик, мулойимлик; 18 *воен.* енгил, ҳаракатчан; ~**ая кавале́рия** енгил кавалерия; ~**ие та́нки** енгил танклар; ✦ ~**ая промы́шленность** енгил саноат; ~**ая рука́** қўли енгил, шарофатли; **с** ~**ой руки́** *чьей разг.* қўли енгил келиб, шарофат билан; ~**ий (или лёгок) на́ ногу** оёқлари илдам, чарчашни билмайдиган; **лёгок на поми́не** хизрни йўқласа ҳам бўлар экан; **с** ~**им па́ром** қушдай енгил бўлинг; **с** ~**им се́рдцем** ўйлаб ўтирмасдан, беташвиш, хотиржамлик билан, хотиржам.

ЛЕГКО́ *нареч.* 1 осонлик билан, осонгина, қийинчиликсиз, қийналмай, бемашаққат, бемалол; ~ **подня́ть груз** юкни осонлик билан (бемалол) кўтармоқ; ~ **усво́ить уро́к** дарсни осонлик билан (осонгина, қийналмай) ўзлаштир-

www.ziyouz.com kutubxonasi

моқ; 2 осон, тез; **не́которые мета́ллы ~ пла́вятся**, баъзи металлар осон (тез) эрийди; 3 жонини оғритмасдан, кучсиз, аста, енгилгина, салгина, сал; **его́ ~ ра́нило** уни сал яраддор қилди; у сал яралар бўлди; 4 енгилтаклик билан, енгил, юзаки; **~ относи́ться** *к кому-чему-л.* енгил қарамоқ, юзаки муносабатда бўлмоқ; 5 *безл. в знач. сказ.* яхши, енгил; **мне так ~!** мен шундай енгилманки (енгил тортдимки)!; ✦ **~ сказа́ть!** айтишга осон!

ЛЕГКОАТЛЕ́Т *м* енгил атлетикачи.

ЛЕГКОАТЛЕ́ТКА *ж, р. мн.* **-ток** енгил атлетикачи аёл.

ЛЕГКОАТЛЕТИ́ЧЕСКИЙ, -ая, -ое енгил атлетикага оид; енгил атлетика...; **~е соревнова́ния** енгил атлетика мусобақалари.

ЛЕ́ГКОВЕРИЕ *с* лақмалик, гўллик, соддалик.

ЛЕГКОВЕ́РНОСТЬ *ж* лақмалик, гўллик, соддалик; ҳар нарсага (кимга) ишонавериш.

ЛЕГКОВЕ́РНЫЙ, -ая, -ое; -рен, -рна лақма, гўл, содда; ҳар нарсага (кимга) ишонаверадиган; **~ челове́к** лақма одам.

ЛЕГКОВЕ́С *м* енгил вазнли (тоши енгил) спортчи (курашчи, боксчи, оғир атлетикачи).

ЛЕГКОВЕСНЫЙ, -ая, -ое; -сен, -сна 1 енгил, енгил вазнли, тош босмайдиган; **~ая моне́та** енгил танга (чақа); 2 *перен.* юзаки, саёз, енгил, бачкана; **~ое сужде́ние** енгил муҳокама, юзаки фикр; **~ая нату́ра** енгил табиат одам; бачкана одам.

ЛЕГКОВО́Й, -а́я, -о́е енгил; **~ автомоби́ль** енгил автомобиль; **~ изво́зчик** извош.

ЛЕГКОВООРУЖЕ́НЫЙ, -ая, -ое енгил қуролланган; **~е войска́** енгил қуролланган қўшин.

ЛЕГКОВОСПЛАМЕНЯЮЩИЙСЯ, -аяся, -еяся тез ўт (аланга) оладиган, ёнувчан, ёнувчи; **~еся вещества́** тез ўт (аланга) олувчи моддалар.

ЛЕГКОВУ́ШКА *ж, р. мн.* **-шек** *прост.* енгил автомашина, енгил автомобиль.

ЛЕГКОДОРО́ЖНЫЙ, -ая, -ое *спец.* текис (силлиқ) йўлда юришга мосланган; **~ велосипе́д** текис йўлда юришга мосланган велосипед.

ЛЕГКОДУ́М *м* қисқа ўйловчи, юзаки фикр юритувчи, калтабин.

ЛЕГКОКРЫЛ/ЫЙ, -ая, -ое 1 тез учар, тез юрар, тез эсар, енгилқанот; **~ая стрекоза́** тез учар ниначи; 2 *перен. уст. поэт.* ҳавойи; тез ўтиб кетадиган; ўзгарувчан; **~ая де́ва** ҳавойи қиз; **~ые виде́ния** бир зумда ўзгарувчи хаёлот; 3 *перен. уст. поэт.* парвосиз, бегам, беташвиш, бепарво, хотиржамликдаги; **~ые заба́вы** бегам-беташвиш ўйин-кулги.

ЛЕГКОМЫСЛЕННО *нареч.* енгилтаклик (калтабинлик) билан, калта (қисқа) ўйлаб, кетини (оқибатини) ўйламасдан, юзаки, енгил.

ЛЕГКОМЫСЛЕННОСТЬ *ж* енгилтаклик, калта (қисқа) ўйлаш; мулоҳазасизлик; қисқа ўйлаб (кетини, оқибатини, ўйламасдан) қилинган иш, хатти-ҳаракат.

ЛЕГКОМЫСЛЕННЫЙ, -ая, -ое енгилтак, мулоҳазасиз, кетини (оқибатини ўйламайдиган; **~ челове́к** енгилтак (мулоҳазасиз) одам; **~ посту́пок** мулоҳазасизлик билан қилинган иш.

ЛЕГКОМЫСЛИЕ *с* енгилтаклик, мулоҳазасизлик, кетини (оқибатини) ўйламай иш тутиш, юзакилик, енгиллик; **проявйть ~** енгилтаклик қилмоқ, мулоҳазасизлик билан иш тутмоқ.

ЛЕГКОНО́ГИЙ, -ая, -ое оёқлари илдам (чаққон), тез юрадиган, югурадиган, югурик, учқур; **~е джейра́ны** учқур жайранлар.

ЛЕГКОПЛА́ВКИЙ, -ая, -ое; -вок, -вка тез (осон) эрийдиган (металлар ҳақида); **~ мета́лл** осон эрийдиган металл.

ЛЕГКОРАСТВОРИ́МЫЙ, -ая, -ое *спец.* (бирор эритувчида) тез эрийдиган, осонгина эриб кетадиган.

ЛЕ́ГКОСТЬ *ж по прил.* **лёгкий** 1—7; **~ зада́чи** масаланинг осонлиги; **~ хара́ктера** енгилтабиатлилик; **~ оде́жды** кийимнинг енгиллиги (юпқалиги, юпунлиги); **~ похо́дки** юришнинг силлиқлиги равонлиги; **с ~ю** осонлик билан, осонгина, қийналмай, бемалол.

ЛЕ́ГОЧНИК *м разг.* 1 ўпка касалликлари врачи; 2 ўпка касаллиги билан оғриган бемор.

ЛЕ́ГОЧНЫЙ, -ая, -ое ўпкага оид; ўпка...; **~е боле́зни** ўпка касалликлари.

ЛЕГЧАЙШ/ИЙ, -ая, -ее *см.* **лёгкий; ~ая весова́я катего́рия** энг енгил вазн категорияси.

ЛЕГЧА/ТЬ, -а́ет *несов. прост.* 1 бўшашмоқ, енгиллашмоқ, юмшамоқ, пасаймоқ, ташламоқ; **моро́з ~ет** совуқ бўшашяпти (ташлаяпти); 2 *безл. кому* тузала бошламоқ, яхшиланмоқ, енгил торта бормоқ, бери қарамоқ; **больно́му не ~ет** беморнинг аҳволи бери қарамаяпти.

ЛЕ́ГЧЕ 1 *см.* **лёгкий** и **легко́** 1; 2 *безл. в знач. сказ. кому* анча яхши, дуруст, нисбатан тузук; **больно́му ~** беморнинг аҳволи анча яхши; ✦ **~ на поворо́тах!** *прост.* оғзингга қараб гапир!; ўйлаб (олди-кетига қараб) иш қил; **час о́т часу не ~** тобора қийинлашмоқда, борган сари оғирлашмоқда.

ЛЁД *м, р.* **льда** и **льду**, *предл.* **о льде** и **на льду** 1 муз, ях; **иску́сственный ~** сунъий муз; 2 *мн.* **льды** музлик; **ве́чные льды** доимий (абадий) музлик; ✦ **би́ться как ры́ба об ~** ўзини ўтга-чўққа урмоқ; **~ та́ет** муз эрий бошлади, меҳри товлана (кўнгли юмшай) бошлади; **разби́ть (или слома́ть) ~** дастлабки (биринчи) қадамни қўймоқ, иш бошламоқ; **~ тро́нулся** иш (ҳаракат) бошланиб кетди, иш юришиб (жўнашиб) кетди.

ЛЕДАЩИЙ, -ая, -ее *прост.* заиф, нимжон, озғин, чувак, ушоқ; **~ па́рень** нимжон йигит.

ЛЕДЕНЕ/ТЬ *несов.* 1 музламоқ, яхламоқ, тўнгмоқ; **вода́ начина́ет ~ть** сув музлаяпти (музлай бошлади); 2 совқотмоқ, совуққа қотмоқ, совуқ емоқ, қотиб (муз-кесак бўлиб) қолмоқ; **ру́ки ~ют** қўллар совқотаяпти; 3 *перен.* қотиб қолмоқ, серрайиб қолмоқ, таррақдек қотмоқ; **~ть от стра́ха** қўрққанидан таррақдек қотмоқ; ✦ **кровь ~ет (в жи́лах)** *см.* **кровь.**

ЛЕДЕНЕ́Ц *м, р.* **-нца́** обаки, обакидандон (конфет).

ЛЕДЕНИСТ/ЫЙ, ая, -ое музга айланган, музлаган, музсимон, муз янглиғ; **~ая ма́сса** музга айланган масса; **~ый снег** муз янглиғ қор.

ЛЕДЕНИ́Т/Ь, -и́т *несов. что* 1 музлатмоқ, яхлатмоқ, тўнгдирмоқ; **моро́з ~ во́ду** совуқ сувни музлатади (музлатяпти); 2 совқоттирмоқ, музлатмоқ; **ве́тер ~ лицо́** шамол юзни музлатиб юборади (юборяпти); 3 *перен.* таррақдек қотирмоқ, тўхтатиб (қарахт қилиб) қўймоқ, қутини учирмоқ; **страх ~ се́рдце** қўрқувдан юрак орқага тортиб (шув этиб) кетади.

ЛЕДЕНЦО́ВЫЙ, -ая, -ое обаки..., обакидандон...; **~е конфе́ты** обаки конфетлар.

ЛЕДЕНЯЩ/ИЙ, -ая, -ее 1 *прич. от* **леденйть**; 2 *в знач. прил.* одамнинг ич-ичига ўтиб кетадиган; музлатадиган, кесиб юборадиган (шамол, совуқ ҳақида); **~ий хо́лод** одамнинг ич-ичига ўтиб кетадиган совуқ; 3 *перен. в знач. прил.* даҳшатга соладиган, тонг қотирадиган, кайфни (қутни) учирадиган; **~ая ве́жливость** одамни донг қотирадиган ҳушмуомалалик (назокат); **~ий страх** даҳшатга соладиган қўрқув.

ЛЕДЕРИ́Н *м* ледерин (сунъий чарм тури); **переплёт из ~а** ледерин муқова.

ЛЕДЕРИНО́ВЫЙ, -ая, -ое ледеринга оид, ледеридан қилинган; ледерин...; **~ переплёт** ледерин муқова.

ЛЕ́ДИ *ж нескл.* леди (Англияда: лорднинг хотини, шунингдек аристократларга мансуб эрли аёл).

ЛЕДНИ́К *м* совуқхона, музхона; музшкаф.

ЛЕДНИ́К *м* музтоғ; музлик; **~ Фе́дченко** Федченко музлиги.

ЛЕДНИКО́ВЫЙ, -ая, -ое музликка оид, музликдан иборат, музликдан ҳосил бўлган; музлик...; муз...; **~й покро́в** музликдан иборат қатлам, музликлар қатлами; **~е озёра** музликдан ҳосил бўлган кўллар; ✦ **~й пери́од** музлик (муз) даври.

ЛЕДОВИ́ТЫЙ: Се́верный ледови́тый оке́ан Шимолий муз океани.

ЛЕДО́В/ЫЙ, -ая, -ое 1 муздан иборат, музли; муз...; **~ый покро́в** муз қатлами; 2 муздаги, муз (музликлар)

www.ziyouz.com kutubxonasi

устидаги, орасидаги; ~**ая доро́га** муз устидаги йўл; ~**ое пла́вание** музлар (музликлар) орасидаги кема сафари; ✦ **Ледо́вое побо́ище** муз устидаги жанг (1242 йилда Чуд кўли музликлари устида немис босқинчи рицарлари новгородликлар томонидан тор-мор қилинган жанглар).

ЛЕДОЗАЩИТА *ж* муздан сақлаш, сақланиш (гидротехник иншоотларни муздан сақлаш системаси).

ЛЕДО́К *м, р.* **-дка́** *разг. уменьш. от* **лёд** муз парчаси, музча.

ЛЕДОКО́Л *м* музёрар, музёрар кема.

ЛЕДОКОЛЬНЫ́Й, -ая, -ое музёрарга оид; музёрар...; ~**е рабо́ты** музёрар кемага оид (музёрар кемалар бажарадиган) ишлар; ~**е суда́** музёрар кемалар; ~**й флот** музёрар кемалар флоти.

ЛЕДОПА́Д *м* тик қияликлардаги (қоялардаги) музлик.

ЛЕДОРЕ́З *м* **1** музкесар (музқирқар) кема; 2 музкесар устун (муз зарбини кесадиган ва музларнинг тиқилиб қолишидан сақлайдиган мослама).

ЛЕДОРУБ *м* музўяр болта (альпинистларда).

ЛЕДОСБРО́С *м* ледосброс (тўғонларда: муз чиқариб юбориладиган махсус тешик).

ЛЕДОСТАВ *м* батамом музлаш, тақатақ музлаш (дарё ҳақида).

ЛЕДОХО́Д *м* шовуш, муз кўчиш, муз оқиш.

ЛЕДОХО́ДНЫЙ, -ая, -ое шовушга оид; муз кўчадиган, муз оқадиган; шовуш...; ~ **пери́од** шовуш даври.

ЛЕДЫ́ШК/А *ж, р. мн.* **-шек** *разг.* муз парча, бир парча муз, ях; **ру́ки холо́дные, как ~и** муздай совуқ қўллар.

ЛЕДЯ́Н/ОЙ, -а́я, -о́е **1** муздан иборат, музли; муз...; ~**о́й покро́в** муз қатлами; 2 муз босган, муз билан қопланган; ~**ые верши́ны** музли (муз билан қопланган) чўққилар; 3 муздек, муздай; муздек (муздай) совуқ; ~**а́я вода́** муздай сув; 4 музлаб (қотиб) қолган, муздек қотган, муз-кесак; ~**ые па́льцы** муздай (қотиб қолган) бармоқлар; 5 *перен.* совуқ, ёқимсиз; бепарво; ~**о́й тон** совуқ муомала; ~**о́е споко́йствие** бепарво хотиржамлик, пинагини бузмай туриш.

ЛЕЕР *м, мн.* **-а́** *мор.* леер (таранг тортилган трос, сим арқон).

ЛЕЕРНЫ́Й, -ая, -ое леерга оид; леер...

ЛЕ́ЖА *нареч.* ётиб, ётиб олиб; **чита́ть** ~ ётиб ўқимоқ.

ЛЕЖА́К *м, р.* **-а́** ёғоч (ёки четан) каравотча; 2 *спец.* и *обл.* ётқизиб қўйилган ходa, тагсинч ва ҳ. к.

ЛЕЖА́Л/ЫЙ, -ая, -ое туриб (ётиб) қолган, эски; ~**ая мука́** туриб қолган ун; ~**ый това́р** туриб (ётиб) қолган мол; сандиқзада бўлиб қолган мол.

ЛЕЖА́НКА *ж, р. мн.* **-нок** лежанка (1 печка устидаги ётиладиган жой; 2 ётиш, ухлаш учун мўлжалланган скамейка).

ЛЕЖ/А́ТЬ *несов.* **1** ётмоқ, ётган бўлмоқ; ~**а́ть в посте́ли** ўринда ётмоқ; ~**а́ть на траве́** майса устида (кўкаламзорда) ётмоқ; ~**а́ть на боку́** ёнбошлаб ётмоқ; ~**а́ть на спине́** чалқанчасига (чалқанча тушиб) ётмоқ; ~**а́ть в о́бмороке** ҳушидан кетиб ётмоқ; 2 оғриб (бетоб бўлиб) ётмоқ; ~**а́ть в больни́це** касалхонада ётмоқ; 3 ётмоқ, турмоқ; **на столе́ ~и́т кни́га** стол устида китоб турипти (ётипти); **ключ ~и́т в карма́не** калит чўнтакда турипти; калит чўнтакда; 4 қоплаб ётмоқ, қоплаган бўлмоқ; **на по́лках ~и́т пыль** токчаларни чанг қоплаб ётипти (қоплаб олган); 5 ётмоқ, сақланмоқ; **де́ньги ~а́т в сберега́тельной ка́ссе** пул омонат кассада ётипти (сақланмоқда); 6 йўналган бўлмоқ, ўтмоқ; **наш путь ~а́л на се́вер** йўлимиз шимол томонга йўналган эди; биз шимол томонга боришимиз керак эди; 7 жойлашмоқ, ўрнашган бўлмоқ; **к ю́гу от гор ~и́т плодоро́дная доли́на** тоғнинг шимол томонида серҳосил водий жойлашган; 8 *перен. на ком* зиммасида бўлмоқ, юкланган бўлмоқ; **на ней ~а́т забо́ты по до́му** уй ташвишлари унинг зиммасида; ✦ ~**а́ть под сукно́м** *см.* **сукно́**; ~**и́т печа́ть** *чего* изи бор, асари кўриниб (сезилиб) турибди; **на его́ лице́ ~а́ла печа́ть уста́лости** унинг юзидан чарчаганлиги сезилиб турарди; **душа́ (или се́рдце) не ~и́т** юрак чопмаяпти; кўнгил тортмаяпти; ёқмаяпти; **пло́хо ~и́т** *разг. шутл.* қаровсиз (эгасиз) ётипти (яъни, осонгина ўғирлаб кетиш мумкин).

ЛЕЖА́ТЬСЯ, -жи́ться *несов. безл.:* **не лежи́тся** ётгиси келмайди (келмаяпти); ётолмайди (ётолмаяпти); **ребёнку не лежи́тся в постели́** боланинг ўринда ётгиси келмаяпти.

ЛЕЖА́Ч/ИЙ, -ая, -ее **1** ётиқ, ётган; **под ~ий ка́мень вода́ не течёт** *погов.* қўл қовуштириб ўтирган билан иш битмайди; қимирлаган қир ошар; 2 ётган, ётиб қолган, туролмайдиган; ~**ий больно́й** ётган касал; 3 *в знач. сущ.* ~**ий** *м* ётган одам; ~ **его не бьют** *погов.* йиқилганни тепмайдилар, қочганни қувмайдилар; 4 *разг.* ётишга мўлжалланган, ётса бўладиган, ётиладиган; ~**ее ме́сто** ётиладиган (ётиб кетиладиган) жой (мас., вагонда); ✦ **не бей ~ его** *прост.* жуда осон, жўн; **рабо́та у неё — не бей ~ его** унинг иши жуда осон.

ЛЕ́ЖБИЩЕ *с* **1** соҳилда денгиз ҳайвонлари тўпланадиган жой; ~ **морски́х ко́тиков** денгиз мушуклари тўпланадиган жой; 2 *охот.* ҳайвонларнинг ётадиган жойи ёки ётиб қолдирган изи.

ЛЕ́ЖЕБОКА *м* и *ж* ялқов, ишёқмас, дангаса, танбал.

ЛЕ́ЖЕНЬ *м, р.* **-жня** *спец.* тўсин, кўндаланг қўйилган тўсин; ✦ **ле́жнем лежа́ть** қимирламай ётмоқ, бир жойда ётмоқ (касал ҳақида).

ЛЕЖ/КА *ж, р. мн.* **ле́жек** **1** *прост.* узоқ туриб (ётиб) қолиш; 2 *разг.* сақлаш, асраш; **отобра́ть я́блоки в ~у** асраш учун олмаларни ажратмоқ; 3 *то же, что* **ле́жбище**; ✦ **лежа́ть в ~у** *прост.* хасталаниб, ўрнидан туролмай ётмоқ, оғир ётмоқ.

ЛЕ́ЖМЯ: ~ **лежа́ть** *разг.* ўрнидан турмай ётмоқ, узоқ ётмоқ, ётавермоқ.

ЛЕ́ЗВИЕ *с* **1** тиғ, дам; ~ **топора́** болтанинг тиғи; 2 *разг.* писка, лезвие.

ЛЕЗГИ́Н *м* лезгин, лазгин; *см.* **лезги́ны.**

ЛЕЗГИ́НКА I *ж, р. мн.* **-нок** лезгин (лазгин) аёл; *см.* **лезги́ны.**

ЛЕЗГИ́НКА II *ж* лезгинка (кавказча шўх рақс ва шу рақс музикаси).

ЛЕЗГИ́НСКИЙ, -ая, -ое лезгинларга оид; лезгин(лар)...; ~ **язы́к** лезгин (лазгин) тили.

ЛЕЗГИ́НЫ *мн.* (*ед.* **лезги́н** *м,* **лезги́нка** I *ж*) лезгинлар, лазгинлар (Дағистон АССР ва Озарбайжон ССРда яшовчи халқ).

ЛЕЗТЬ, ле́зу, ле́зешь; лез, -ла *несов.* **1** тирмашиб (чирмашиб, ўрмалаб) чиқмоқ, аранг кўтарилмоқ; ~ **на го́ру** (тирмашиб) тоққа чиқмоқ; 2 суқилиб (энгашиб) кирмоқ; ошиб тушмоқ; ~ **в окно́** деразадан суқилиб кирмоқ; деразадан ошиб тушмоқ; 3 *разг.* тушмоқ; рухсатсиз кирмоқ; ~ **в ва́нну** ваннага тушмоқ; ~ **в сад** рухсатсиз боққа кирмоқ; 4 *разг.* қўл солмоқ (суқмоқ); титкиламоқ; ~ **без разреше́ния в пи́сьменный стол** рухсатсиз ёзув столини титкиламоқ; ~ **в карма́н за де́ньга́ми** пул олиш учун қўлни чўнтакка солмоқ; 5 *разг.* кирмоқ, ўтмоқ, сиғмоқ, лойиқ келмоқ; **ни́тка не ле́зет в иго́лку** ип игнадан ўтмаяпти; **чемода́н не ле́зет в бага́жник** чамадон багажникка сиғмаяпти; **сапоги́ не ле́зут** этик сиғмаяпти; 6 сирғанib (сирғалиб, сирпаниб) тушмоқ, сирғанib кетмоқ; **ша́пка ле́зет на глаза́** шапка сирғанib тушиб кўзларни беркитиб қўяяпти; 7 йиртилмоқ, ситилмоқ, сўтилмоқ; йиртилиб (ситилиб) кетмоқ; **руба́ха ле́зет по швам** кўйлак чокидан йиртиляпти (ситилиб кетяпти); 8 *разг.* тўкилмоқ, тушиб кетмоқ (соч ҳақида); **во́лосы ле́зут** сочи(м) тўкилиб кетяпти; 9 суқилмоқ; суқилиб кирмоқ, суркалмоқ, аралашмоқ; интилмоқ; ~ **в разгово́р** гапга суқилмоқ (аралашмоқ); ~ **с вопро́сами** саволлар билан суқилмоқ; ~ **в мини́стры** министрликка интилмоқ; ✦ ~ **в ду́шу** *чью* бировнинг кўнглидагини билишга интилмоқ; қўйнига қўл солиб кўрмоқ; **из ко́жи (вон)** ~ жон-жаҳди билан тиришмоқ, ўлиб-қутулиб ҳаракат қилмоқ; ~ **на́ стену** жиғи-бийрон бўлмоқ, жиғи-бийрони чиқмоқ; за **сло́вом в карма́н не ле́зет** гапга чечан, ҳозиржавоб; **не ле́зет в гло́тку (или в го́рло, в рот)** овқат ўтмайди (ўтмаяпти); **ни в каки́е воро́та не ле́зет** жуда ёмон, ҳеч қандай дарвозага (чега-

www.ziyouz.com kutubxonasi

рага) сиғмайди, қуюшқондан ташқари; ~ **в бутылку** (или **в пузырь**) *прост.* жиғи-бийрон бўлмоқ, жаҳли чиқиб лов этиб кетмоқ; ~ **в глаза́** (или **на глаза́**) *кому* ўзини кўрсатишга (диққатни ўзига тортишга) интилмоқ; ~ **в го́лову** хаёлдан кетмай турмоқ, мияга ўтириб қолмоқ; ~ **на рожо́н** *см.* **рожо́н**.

ЛЕ́Й *мн. (ед.* **ле́я** *ж)* лея (отлиқлар шимининг эгарга тегиб турадиган жойига ёпиштирилган пишиқ мато ёки чарм); **галифе́ с ле́ями** лея ёпиштирилган галифе шим, леяли галифе.

ЛЕЙ *см.* **ле́я** I.

ЛЕЙБ-ГВАРДЕ́ЙСКИЙ, -ая, -ое лейб-гвардияга оид; лейб-гвардия...; ~ **полк** лейб-гвардия полки.

ЛЕЙБ-ГВА́РДИЯ *ж* лейб-гвардия (монархия давлатларида: имтиёзли махсус гвардия қисми, қўшини).

ЛЕЙБ-МЕ́ДИК *м* лейб-медик (сарой аъёнларига, подшо хонадонига каровчи врач).

ЛЕЙБОРИ́СТ *м* лейборист (лейбористлар партиясининг аъзоси).

ЛЕЙБОРИ́СТСК/ИЙ, -ая, -ое лейбористларга оид; лейбористлар...; ~**ая па́ртия** лейбористлар партияси (Англияда: ўзини «ишчилар партияси» деб атовчи, амалда реформистик сиёсат юргизувчи партия); ~**ое прави́тельство** лейбористлар ҳукумати.

ЛЕЙДЕ́НСК/ИЙ: ~**ая ба́нка** лейден банкаси (электр энергияси тўплайдиган асбоб; конденсаторнинг бир тури); ~**ая батаре́я** лейден банкалари батареяси.

ЛЕЙКА I *ж, р. мн.* **ле́ек** 1 гулчелак (сув сочадиган жўмракли челак); 2 *мор.* лейка (қайиқда, кемада тўпланган сувни чиқариб ташлайдиган чўмич); 3 *прост.* воронка.

ЛЕЙКА II *ж, р. мн.* **ле́ек** лейка (фотоаппаратнинг бир тури).

ЛЕЙКЕМИ́/Я *ж мед.* лейкемия, оққон касаллиги (лейкознинг бир кўриниши).

ЛЕЙКО́З *м мед.* лейкоз (қон ҳосил қилувчи органларнинг касаллиги).

ЛЕЙКО́МА *ж то же, что* **бельмо́; ~ на глазу́** кўзга тушган оқ.

ЛЕЙКОЦИТО́З *м* лейкоцитоз (қонда оққон таначаларининг кўпайиши).

ЛЕЙКОЦИ́ТЫ *мн. (ед.* **лейкоци́т** *м)* оққон таначалари.

ЛЕЙТЕНА́НТ *м* лейтенант; **мла́дший** ~ кичик лейтенант; **ста́рший** ~ катта лейтенант.

ЛЕЙТЕНА́НТСК/ИЙ, -ая, -ое лейтенантларга оид; лейтенант(лар)...; **лейтенантлик...; ~ое зва́ние** лейтенант(лик) унвони.

ЛЕ́ЙТМОТИВ *м* 1 лейтмотив (музика асарида бошдан-охир такрорланувчи асосий куй); ~ **симфо́нии** симфониянинг лейтмотиви; 2 *перен.* асосий фикр, ғоя; ~ **кни́ги** китобнинг асосий ғояси.

ЛЕК *м* лек (Албанияда: пул бирлиги).

ЛЕКА́ЛО *с* лекало (1 *тех.* эгри чизиқлар чизиш учун ишлатиладиган махсус шаклдор чизғич; 2 мураккаб шакладаги буюмлар ясашда ишлатиладиган махсус андаза; 3 *уст. то же, что* **кали́бр** 3.

ЛЕКА́ЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое лекалога оид; лекало...; ~**ая лине́йка** лекало чизғич.

ЛЕКА́ЛЬЩИК *м* лекалочи, лекало (андаза) ясовчи уста.

ЛЕКА́ЛЬЩИЦА *ж см.* **лека́льщик.**

ЛЕКА́РКА *ж, р. мн.* **-рок** 1 *см.* **ле́карь**; 2 *обл.* дуохон (ёки эмчи, иссиқ-совуқчи) аёл.

ЛЕКА́РСКИЙ, -ая, -ое *уст.* табибга, врачга оид; табиб..., врач...; ~ **помо́щник** врач ёрдамчиси, фельдшер.

ЛЕКА́РСТВЕННЫ/Й, -ая, -ое доривор, дори бўладиган; ~**е расте́ния** доривор ўсимликлар.

ЛЕКА́РСТВО *с* 1 дори, дори-дармон; ~ **от ка́шля** йўтал дори; 2 *перен.* даво, дармон, малҳам; ~ **от всех бед** ҳар дардга даво нарса.

ЛЕ́КАРЬ *м, р. мн.* **-ре́й** *уст. прост.* табиб, врач.

ЛЕКСИКА *ж* лексика (тилнинг сўз бойлиги, луғат состави); **ру́сская** ~ рус тили лексикаси; ~ **Пу́шкина** Пушкин лексикаси; ~ **узбе́кских диале́ктов** ўзбек диалектлари лексикаси.

ЛЕКСИКО́ГРАФ *м* лексикограф, луғатшунос, луғатчи.

ЛЕКСИКОГРАФИ́ЧЕСК/ИЙ, -ая, -ое лексикографияга оид; лексикографик; лексикография...; ~**ая рабо́та** лексикографик иш.

ЛЕКСИКОГРА́ФИЯ *ж* лексикография, луғатшунослик, луғатчилик.

ЛЕКСИКО́ЛОГ *м* лексиколог, лексикология мутахассиси.

ЛЕКСИКОЛОГИ́ЧЕСКИ/Й, -ая, -ое лексикологияга оид; лексикологик; лексикология...; ~**е рабо́ты** лексикологик ишлар.

ЛЕКСИКОЛО́ГИЯ *ж* лексикология (тилшуносликда тилнинг лексикасини, луғат составини ўрганадиган бўлим).

ЛЕКСИ́КОН *м* 1 *уст.* луғат; **францу́зский** ~ француз тили луғати; 2 сўз бойлиги, сўз запаси; сўзлар; **у него́ бога́тый** ~ у сўзга бой; **торга́шеский** ~ савдогарлар нутқида ишлатиладиган сўзлар.

ЛЕКСИ́ЧЕСК/ИЙ, -ая, -ое лексикага (сўз бойлигига) оид; лексик; лексика...; луғавий; ~**ое бога́тство узбе́кского языка́** ўзбек тилининг сўз (луғат) бойлиги.

ЛЕ́КТОР *м* лектор, лекция ўқувчи.

ЛЕКТО́РИЙ *м* лекторий; **колхо́зный** ~ колхоз лекторийси.

ЛЕ́КТОРСК/ИЙ, -ая, -ое лекторга ва лекторликка оид; лектор...; лекторлик...; ~**ая гру́ппа** лекторлар группаси; ~**ий о́пыт** лекторлик тажрибаси.

ЛЕ́КТОРША *ж разг.* лектор аёл.

ЛЕКЦИО́НН/ЫЙ, -ая, -ое лекция тарзидаги (формасидаги); лекция...; лекцион; ~**ая пропага́нда** лекцион пропаганда, лекция формасидаги пропаганда; ~**ый зал** лекция зали.

ЛЕ́КЦИ/Я *ж* 1 лекция; **чита́ть** ~**и** лекция ўқимоқ; **посеща́ть** ~**и** лекцияларга қатнашмоқ; 2 *мн.* ~**и** лекциялар (тўплами); **литографи́рованные** ~**и** литография усулида босилган лекциялар (тўплами).

ЛЕЛЕ́ЯТЬ *несов.* 1 *кого* эркаламоқ, ардоқламоқ, пахпахламоқ; ардоқлаб (пах-пахлаб, арзанда қилиб) ўстирмоқ; ~ **ребёнка** болани эркаламоқ; болани ардоқлаб (пахпахлаб) ўстирмоқ; 2 *перен. что* умид қилмоқ, умид боғламоқ, умидвор бўлмоқ, дилда орзу (ният, ҳавас) қилиб юрмоқ; ~ **мечту́** дилда орзу қилиб юрмоқ; 3 *перен. кого-что* хуш ёқмоқ, юпатмоқ; ~ **слух** қулоққа хуш ёқмоқ.

ЛЕ́МЕХ и **ЛЕМЕ́Х** *м, мн.* **-а́** лемех, тиш (плуг тиши).

ЛЕМЕ́ШНЫ/Й, -ая, -ое лемехга оид; лемехли, тишли; лемех...; ~**е ору́дия** лемехли (тишли) қуроллар.

ЛЕ́ММА *ж мат.* лемма (бошқа теоремани исботлаш учун зарур бўлган ёрдамчи теорема).

ЛЕ́ММИНГ *м* лемминг (кемирувчиларга мансуб ҳайвон).

ЛЕМУ́РЫ *мн. (ед.* **лему́р** *м)* лемурлар (1 қадимги Рим мифологиясида: арвоҳлар, ўлганлар руҳи; 2 ярим маймунлар).

ЛЕН *м ист.* лен, феод (ўрта асрларда: феодал томонидан ўз вассалига берилган ер-сув, мулк ва ундан олинадиган солиқ, ўлпон).

ЛЁН *м, р.* **льна** 1 зиғир; 2 зиғирпоя толаси; **прясть** ~ зиғирпоя толасини йигирмоқ; ✦ **куку́шкин** ~ йўсиннинг бир тури.

ЛЕНДЛО́РД *м* лендлорд (Англияда: ўз ер-мулкини фермерларга ижарага берувчи катта ер эгаси).

ЛЕНИВЕЦ *м, р.* **-вца** 1 дангаса, танбал, ишёқмас, ялқов; 2 *зоол.* ленивец (Жанубий Америкада: дарахтларда ўрмалаб, барглар билан овқатланадиган, ерда юришга яхши мослашмаган сутэмизувчи ҳайвон).

ЛЕНИВИЦА *ж* дангаса (ишёқмас) аёл.

ЛЕНИВЫ/Й, -ая, -ое 1 ялқов, дангаса, танбал, ишёқмас; ~**й челове́к** дангаса одам, ишёқмас; 2 эринчоқ, имиллаган, ланж, суст; ~**е движе́ния** имиллаган (ланж, суст) ҳаракатлар; 3 тезлик билан (нариган-бери) тайёрланган, тез пиширилган, солди-пишди; ~**е голубцы́** тез пиширилган (солди-пишди) дўлма.

ЛЕНИНЕЦ *м, р.* **-нца.** ленинчи, Ленин йўлидан борувчи.

ЛЕНИНИА́НА *ж* ленинном (Ленинга бағишланган асарлар туркуми); **поэти́ческая** ~ поэтик ленинном.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЛЕНИНИЗМ *м* ленинизм (Ленин таълимоти — империализм ва пролетар революцияси даврининг шароитларини ҳисобга олиб Ленин томонидан конкретлаштирилган ва ривожлантирилган марксизм) *см.* **марксизм-ленинизм.**

ЛЕНИНСК/ИЙ, -ая, -ое 1 Ленин таълимотига оид; ленинизм принципларига асосланган; ленинча; Ленин...; **~ая национа́льная поли́тика** ленинча миллий сиёсат; **~ие но́рмы партийного поведе́ния** ленинча партиявий ахлоқ нормалари; 2 Ленин номи билан боғланган, Ленин яратган; Ленин номига қўйилган; **~ие места́** Ленин бўлган жойлар; **Ле́нинский комсомо́л** Ленин комсомоли; **Ле́нинская пре́мия** Ленин мукофоти; ✦ **Ле́нинский призы́в** Ленин чақириғи (1924 йили, Ленин вафоти муносабати билан меҳнаткашларнинг оммавий равишда партия сафларига чақирилиши).

ЛЕНИТЬСЯ, лену́сь, ле́нишься *несов.* дангасалик (ялқовлик) қилмоқ, ялқовланмоқ, эринмоқ.

ЛЕ́НИК *м ист.* лен олган вассал; *см.* **лен.**

ЛЕ́НН/ЫЙ, -ая, -ое *ист.* ленга оид; лен...; **~ое пра́во** лен ҳуқуқи (лен олган вассал билан феодал ўртасидаги муносабатларни белгиловчи ҳуқуқлар); **~ая зави́симость** лен олган вассалнинг феодалга қарамлиги.

ЛЕНО́К *м, р.* **-нка́** ленок (балиқнинг бир тури).

ЛЕ́НОСТ/Ь *ж* дангасалик, ялқовлик, танболлик, эринчоқлик; **по ~и** ялқовлиги туфайли (орқасида); эринчоқлик қилиб.

ЛЕ́НТА *ж* 1 лента, тасма, жияк; **шёлковая ~** шойи лента, ипак тасма, жияк; **о́рденская ~** орден лентаси; **бума́жная ~** қоғоз лента; 2 *спец.* лента, тасма; **изоляцио́нная ~** изоляцион лента; **пулемётная ~** пулемёт лентаси; **~ транспортёра** транспортёр лентаси; **кинематографи́ческая ~** кинематография лентаси; киноплёнка; 3 *перен. чего* ингичка ва узун (тасмадай, ичакдай чўзилган) нарса (дарё, йўл ва ш. к. ҳақида); **~ доро́ги** ингичка узун йўл; чўзилиб кетган йўл; **~ реки́** ичакдай чўзилган дарё; 4 *спец. то же, что* **фильм** 2; **но́вые документа́льные ле́нты** янги ҳужжатли лента лар (фильмлар).

ЛЕНТОВИ́ДНЫ/Й, -ая, -ое; -ден, -дна лентасимон, лентага ўхшаган; **~е ли́стья расте́ний** ўсимликларнинг лентасимон барглари.

ЛЕНТООБРА́ЗНЫЙ, -ая, -ое; -зен, -зна *то же, что* **лентови́дный.**

ЛЕ́НТОЧКА *ж, р. мн.* **-чек** *уменьш. от* **ле́нта** 1 лента, лентача.

ЛЕ́НТОЧН/ЫЙ, -ая, -ое 1 лентага оид; лента...; тасма...; **~ое произво́дство** лента ишлаб чиқариш; **~ые маши́ны** лента қиладиган машиналар; 2 лента шаклидаги, лентасимон; **~ые че́рви** лентасимон чувалчанглар; **~ая пила́** лента (тасма) арра; 3 *спец.* лентали; **~ый транспортёр** лентали транспортёр.

ЛЕНТЯ́Й *м* ялқов, дангаса, танбал, ишёқмас, соя-парвар.

ЛЕНТЯ́ЙКА *ж, р. мн.* **-я́ек** *см.* **лентя́й.**

ЛЕНТЯ́ЙНИЧАТЬ *несов. разг.* ялқовлик (дангасалик) қилмоқ, бекор юрмоқ, эринмоқ.

ЛЕ́НЦ/А *ж разг.:* **с ~о́й** 1) дангасароқ, бир оз эринчоқ, беҳафсала; **челове́к с ~ой** дангасароқ одам; 2) дангасалик (эринчоқлик) билан, беҳафсала; **рабо́тать с ~о́й** дангасалик (эринчоқлик) билан ишламоқ.

ЛЕНЧ *м* ленч (Англия, АҚШ ва баъзи Ғарбий Европа мамлакатларида: тушликдан кейинги иккинчи овқат; умуман енгил овқатланиш, тамадди қилиб олиш).

ЛЕ́НЧИК *м спец.* эгарнинг ёғоч асоси, скелети.

ЛЕНЬ *ж* 1 ишга ҳуши йўқ ҳолат, ҳафсаласизлик кайфияти, ялқовлик, дангасалик; **поборо́ть в себе́ ~** ҳафсаласизликни (дангасаликни) енгмоқ; 2 эринчоқлик (ланжлик) ҳолати; бўшашиш; уйқу (мудроқ) босиш; **Сла́дкая ~ смыка́ет глаза́** (Тургенев) Ширин мудроқ босиб, кўзлар юмилиб кетяпти; 3 *в знач. сказ. разг.* эринади; ҳуши (ҳафсаласи) йўқ; ...гиси келмаяпти (келмай турипти); **мне ~ идти́** боргим келмаяпти, боришга эриняпман; ✦ **(все) кому́ (то́лько) не ~** ким хоҳласа, хоҳлаган киши, ҳар ким.

ЛЕОПА́РД *м* қоплон.

ЛЕОПА́РДОВ/ЫЙ, -ая, -ое қоплонга оид; қоплон...; **~ая шку́ра** қоплон териси.

ЛЕПЕСТКО́ВЫЙ, -ая, -ое гулбаргга оид; гулбарг...

ЛЕПЕСТ/О́К *м, р.* **-тка́** гулбарг, гултожбарг; **~ки́ ро́зы** атиргул гулбарглари.

ЛЕПЕ́Т *м* 1 тили чиқа бошлаган боланинг гувраниши, ноаниқ гапи, бижир-бижири; 2 ноаниқ гувур-гувур (чуғур-чуғур) гап; бўлар-бўлмас (келишмаган, пойма-ной) гаплар; 3 *перен. чего* майин шитирлаган (жилдираган) товуш; шитир-шитир, шалдир-шулдир; шитирлаш; **~ ли́стьев чина́ры** чинор барглари нинг шитирлаши; ✦ **де́тский** (или **младе́нческий**) **~** пойма-ной гўдакона гаплар, асоссиз, бемаъни гаплар.

ЛЕПЕТА́ТЬ, -ечу́, -е́чешь *несов.* 1 гувранмоқ, боғланишсиз (ширин) гапирмоқ, бижирламоқ (болалар ҳақида); 2 *что* ғулдираб гапирмоқ, бидирламоқ; пойма-пой (бўлар-бўлмас, келишмаган) гаплар қилмоқ; 3 *перен.* секин (майин) жилдирамоқ, шилдирамоқ, шитирламоқ; **ары́к лепе́чет** ариқ майин шилдираб оқмоқда.

ЛЕПЁШЕЧН/ЫЙ, -ая, -ое обинонга оид; обинон...; **~ое те́сто** обинон хамири.

ЛЕПЁШК/А *ж, р. мн.* **-шек** 1 обинон, кулча; 2 тугмача (кулча) дори ёки ширинлик; **мя́тные ~и** ялпизмаза тугмача дори (ҳаб дори) ёки конфет; 3 *перен. чего* кулчага ўхшаш нарса, парча; **Из-под колёс и копы́т лете́ли ~и гря́зи** (А. Н. Толстой) Ғилдирак ва туёқлардан парча-парча лой отиларди; ✦ **разби́ться** (или **расши́биться**) **в ~у** жон-жаҳди билан ҳаракат қилмоқ, ўлар-тириларига қарамай тиришмоқ; **разобью́сь в ~у, а добью́сь своего́** ўлсам ҳам, мақсадимга эришаман.

ЛЕПИ́ТЬ, леплю́, ле́пишь *несов.* 1 (*сов.* **слепи́ть** и **вы́лепить**) *кого-что* ясамоқ, қилмоқ, қурмоқ (лой, гипс, мум ва ш. к. пластик материаллардан); **~ ста́тую из ги́пса** гипсдан ҳайкал ясамоқ; **ла́сточка ле́пит гнездо́** қалдирғоч уя қурмоқда; 2 (*сов.* **налепи́ть**) *что* ёпиштирмоқ; тугмоқ; чапламоқ, ёпмоқ; **~ ма́рки на конве́рты** конвертларга марка ёпиштирмоқ; **~ пельме́ни** чучвара тугмоқ; 3 *разг.* зарб (куч) билан урмоқ, ёпиштирмоқ, чапламоқ; **ве́тер ле́пит сне́гом в о́кна** қор бўралаб деразаларга ёпишмоқда.

ЛЕПИ́ТЬСЯ, ле́пится *несов.* 1 ёпишмоқ, ёпишиб қолмоқ, чапланмоқ; ёпишиб ётмоқ (турмоқ); **снег ле́пится к сапога́м** қор этикларга ёпишиб қоляпти; **по сте́нам лепи́лась паути́на** деворларга ўргимчак уялари ёпишиб ётарди; **по скло́нам горы́ ле́пятся до́мики** тоғ ёнбағирларида уйчалар тизилиб (бир-бирига ёпишиб) турибди; 2 ясалмоқ, қилинмоқ, қурилмоқ (пластик материаллардан); **в кружке́ ле́пятся ста́туи** тўгаракда ҳайкалчалар ясалади; 3 *страд. от* **лепи́ть.**

ЛЕ́ПК/А *ж* 1 *по гл.* **лепи́ть** 1; **~а бю́ста** бюст ясаш; **уро́к ~и** скульптура (пластик материаллардан нарса ясаш) дарси; ганчкорлик дарси; 2 пластик материаллардан ясалган скульптура, ҳайкал, тасвир; ганчкор нақш; **потоло́к укра́шен худо́жественной ~ой** шифт нафис ганчкор нақшлар билан безатилган.

ЛЕПН/О́Й, -а́я, -о́е 1 пластик материаллардан нарса ясашга, ганчкорликка оид; ганчкорлик...; **~ы́е рабо́ты** ганчкорлик ишлари; 2 пластик материаллардан ясалган; ганчкор...; **~о́й карни́з** ганчкор арақи (карниз).

ЛЕ́ПР/А *ж* мохов (касаллик).

ЛЕПРОЗО́РИЙ *м* лепрозорий, моховхона (моховлар касалхонаси; моховлар колонияси).

ЛЕ́ПТ/А *ж* 1 лепта (Грецияда: майда пул, чақа, танга); 2 *перен.* қўлдан келган (бақадриҳол) ёрдам, улуш, ҳисса; **вноси́ть (свою́) ~у** ўз ҳиссасини қўшмоқ.

ЛЕ́ПЩИК *м* ганчкор, нақшчи.

ЛЕ́РК/А *ж, р. мн.* **-рок** лерка (ташқи резьба кесадиган асбоб).

ЛЕС *м, р.* **-а** и **-у**, *предл* **о ле́се** и **в лесу́**, *мн.* **-а́** 1 ўрмон, дарахтзор; **дрему́чий ~** қалин ўрмон; **кра́сный ~** игнабаргли ўрмон, игнабаргли дарахтзор; **чёрный ~** қора ўрмон, япроқли дарахтлар ўрмони; 2 *собир.* ёғоч-тахта материаллари, ёғоч-тахта; **строево́й ~** иморатбоп ёғочлар, бинокорлик ёғочлари; 3 *перен. чего* сон-саноқсиз (беҳад кўп) тик нарса, қатор; **~ труб** сон-саноқсиз трубалар қатори; қатор тизилган (қатор-қатор) трубалар; ✦ **как (сло́вно) в тёмном ~ý** қоп-қоронғи ўрмонга кириб қолгандай, ҳеч нарсага тушунмай, нима эканини билмай; **гляде́ть в ~** кетиш (қочиш) пайида бўлмоқ, кетишга интил-

www.ziyouz.com kutubxonasi

моқ; за дере́вьями не ви́деть ~а *см.* **де́рево; тёмный (или дремучий)**; ~ *для кого* номаълум (ёки нотаниш) нарса, иш; **кто в ~, кто по дрова** *погов.* бири боғдан, бири тоғдан.

ЛЕСА́ I *мн.* ҳавоза; **установи́ть ~** ҳавоза қурмоқ.

ЛЕСА́ II и **ЛЁСА** *ж, мн.* **лёсы** қармоқ ипи, қармоқ боғланган ип.

ЛЕСЕНК/А *ж, р. мн.* **-нок** *разг.* 1 *уменьш. от* **ле́стница** нарвонча, зинача; кичкина нарвон; 2 *в знач. нареч.* **~ой** поғонама-поғона, паст-баланд бўлиб (қилиб); бири баланд, бири паст, зинапоя шаклида; кирди-чиқди, нотекис; **спуска́ться на лы́жах ~ой** чанғида тепаликдан поғонама-поғона тушмоқ; **стихотво́рные стро́ки ~ой** нотекис (сочма) шеърий сатрлар; **стричь во́лосы ~ой** сочини бўғот-бўғот қилиб олмоқ; ✦ **~ой стоя́ть** (или **идти́, постро́иться**) бўйсира бўлиб турмоқ (бормоқ, саф тортмоқ).

ЛЕСИ́НА *ж обл.* 1 дарахт; 2 кесилган дарахт, ходa, ёғоч.

ЛЕСИ́СТ/ЫЙ, -ая, -ое сердарахт, дарахтзор, ўрмонли; **~ая ме́стность** ўрмонли (сердарахт, дарахтзор) жой.

ЛЁСКА *ж, р. мн.* **-сок** *то же, что* **леса́** II.

ЛЕСНИ́К *м, р.* **-а́** ўрмон қоровули; ўрмон назоратчиси.

ЛЕСНИ́ЧЕСТВО *с* ўрмон участкаси (ўрмон хўжалигининг маъмурий-территория бўлинмаси).

ЛЕСНИ́ЧИЙ *м, р.* **-его** ўрмон участкасининг ходими ёки мудири.

ЛЕСН/ОЙ, -а́я, -о́е 1 ўрмонга оид; ўрмонда бўладиган, яшайдиган, ўрмондаги; ўрмон...; **~о́й за́пах** ўрмон ҳиди; **~ы́е пти́цы** ўрмон қушлари; **~о́й санато́рий** ўрмонда жойлашган (ўрмондаги) санаторий; 2 тахта-ёғоч оид; тахта-ёғоч...; **~о́й склад** тахта-ёғоч склади; **~о́й э́кспорт** тахта-ёғоч экспорти; 3 ўрмон хўжалигига ва ўрмончиликка оид; ўрмончилик..., ўрмон хўжалиги...; **~о́й институ́т** ўрмончилик институти; **~ое хозя́йство** ўрмон (ўрмончилик) хўжалиги.

ЛЕСОВИ́К *м, р.* **-а́** 1 ўрмонлик (ўрмонда яшаб, овчилик билан шуғулланувчи киши); 2 *обл.* алвасти, жин.

ЛЕСОВО́Д *м* ўрмоншунос, ўрмончилик мутахассиси.

ЛЕСОВО́ДСТВ/О *с* 1 ўрмоншунослик, ўрмончилик; **ле́кции по ~у** ўрмоншунослик бўйича лекциялар; 2 ўрмон (ўрмончилик) хўжалиги.

ЛЕСОВО́З *м* лесовоз (ёғоч-тахта материаллари ташийдиган махсус кема, автомашина ва ш. к.).

ЛЕСОЗАВО́Д *м* ёғоч-тахта заводи (ёғоч-тахта материаллари тайёрлайдиган завод).

ЛЕСОЗАГОТОВИ́ТЕЛЬ *м* ёғоч тайёрловчи.

ЛЕСОЗАГОТО́ВКИ *мн., р.* **-вок** (*ед.* **лесозагото́вка** *ж*) ёғоч тайёрлаш.

ЛЕСОЗАЩИ́ТН/ЫЙ, -ая, -ое 1 иҳота учун ўтқазилган, иҳота қилувчи; шамол қор ва ш. к. дан сақловчи; иҳота...; **~ые насажде́ния** иҳота ўрмонлари (дарахтзорлари); **~ая зо́на** иҳота дарахтзорлари зонаси; 2 ўрмонларни сақлашга оид; ўрмонларни сақлаш...; **~ая ста́нция** ўрмонларни сақлаш станцияси.

ЛЕСОКОМБИНА́Т *м* ёғочсозлик комбинати, ёғоч-тахта материаллари тайёрлайдиган комбинат.

ЛЕСОМАТЕРИА́ЛЫ *мн.* (*ед.* **лесоматериа́л** *м*) ёғоч-тахта материаллари, ёғоч-тахталар.

ЛЕСОМЕЛИОРАТИ́ВНЫ/Й, -ая, -ое ўрмон мелиорациясига оид; ўрмон мелиорацияси...; **~е мероприя́тия** ўрмон мелиорациясига доир тадбирлар.

ЛЕСОМЕЛИОРА́ЦИЯ *ж* ўрмон мелиорацияси (ўрмонзор ерларнинг табиий шароитларини яхшилаш тадбир-чоралари системаси).

ЛЕСОНАСАЖДЕ́НИ/Е *с* 1 дарахтзор (ўрмон) барпо этиш; дарахт (кўчат) ўтқазиш; **провести́ ~е** дарахтлар (кўчатлар) ўтқазмоқ; 2 *мн.* **~я** экилган дарахтлар, кўчатлар.

ЛЕСОПА́РК *м* ўрмонзор парк (шаҳар атрофидаги истироҳат учун мосланган ўрмонзор парк).

ЛЕСОПИ́ЛКА *ж, р. мн.* **-лок** 1 *разг.* тахта тиладиган завод, тахта тилиш заводи; 2 тахта тиладиган машина, арра.

ЛЕСОПИ́ЛЬНЫ/Й, -ая, -ое тахта тиладиган; **тахта тилиш...; ~е рабо́ты** тахта тилиш ишлари.

ЛЕСОПИ́ЛЬНЯ *ж, р. мн.* **-лен** *разг. то же, что* **лесопи́лка** 1.

ЛЕСОПИТО́МНИК *м* кўчатхона, кўчатзор (ўрмончиликда).

ЛЕСОПОЛО́СА *ж, р. мн.* **-по́лосы, р. -поло́с, дат. -полоса́м** узун (чўзиқ) дарахтзор ер; қатор дарахтлар; **защи́тная ~** иҳота қилувчи дарахтзор.

ЛЕСОПОСА́Д/К/А *ж, р. мн.* **-док** 1 дарахт ўтқазиш, дарахт кўчатлари ўтқазиш, дарахтзор барпо қилиш; **занима́ться ~ой** дарахт (кўчатлари) ўтқазиш билан шуғулланмоқ; 2 *мн.* **~и** ўтқазилган дарахт кўчатлари, ёш дарахтлар; **~и хорошо́ приняли́сь** ўтқазилган дарахт кўчатлари яхши кўкарди (тутди).

ЛЕСОПОСА́ДОЧНЫ/Й, -ая, -ое 1 дарахт ўтқазишга оид; дарахт ўтқазиш...; **~е рабо́ты** дарахт ўтқазиш ишлари; **~й материа́л** дарахт кўчатлари; 2 дарахт ўтқазишга хизмат қиладиган; дарахт ўтқазадиган; **~е маши́ны** дарахт ўтқазадиган машиналар.

ЛЕСОПРОМЫСЛО́В/ЫЙ, -ая, -ое ўрмон маҳсулотлари етиштирадиган, тайёрлайдиган; **~ая арте́ль** ўрмон маҳсулотлари етиштирувчи артель.

ЛЕСОПРОМЫ́ШЛЕННИК *м* 1 ўрмон саноати хўжайини; 2 ўрмон саноати ходими, ишчиси.

ЛЕСОПРОМЫ́ШЛЕННОСТЬ *ж* ўрмон саноати (ёғоч тайёрлаш билан шуғулланувчи саноат соҳаси).

ЛЕСОРАЗВЕДЕ́НИЕ *с* ўрмонзор (дарахтзор) барпо қилиш, дарахтлар экиш ва парваришлаш; **полезащи́тное ~** иҳота дарахтзорлари барпо қилиш.

ЛЕСОРАЗРАБО́ТКИ *мн., р.* **-ток** (*ед.* **лесоразрабо́тка** *ж*) дарахт (ёғоч) кесиш, тайёрлаш ва ўрмоннинг шундай иш олиб борилаётган участкаси.

ЛЕСОРУ́Б *м* дарахт (ёғоч) кесувчи.

ЛЕСОРУ́БНЫЙ, -ая, -ое дарахт (ёғоч) кесадиган; **~ инструме́нт** дарахт (ёғоч) кесадиган асбоб.

ЛЕСОСЕ́КА *ж* 1 ўрмоннинг дарахт кесилаётган (ёки дарахт кесиш учун ажратилган, ёхуд кесиб олинган) участкаси; 2 *спец.* ўрмон участкасидан бир йилда кесиб олинадиган ёғоч миқдори.

ЛЕСОСПЛА́В *м* ёғоч оқизиш; **плотово́й ~** сол қилиб ёғоч оқизиш.

ЛЕСОСТЕПН/О́Й, -а́я, -о́е ўрмон-даштга оид; ўрмон-дашт...; **~а́я зо́на** ўрмон-дашт зонаси.

ЛЕСОСТЕ́ПЬ *ж* ўрмон-дашт (ўрмон билан дашт ёки дала оралиғидаги ерлар).

ЛЕСОТОРГО́ВЕЦ *м, р.* **-вца** ёғоч-тахта материаллари билан савдо қилувчи киши.

ЛЕСОТУ́НДРА *ж* ўрмон-тундра (ўрмон билан тундра оралиғидаги ерлар).

ЛЕСПРОМХО́З *м* леспромхоз (СССРда: ўрмон саноати хўжалиги).

ЛЕСПРОМХО́ЗОВСКИЙ, -ая, -ое леспромхозга оид; леспромхоз...

ЛЁСС *м* сариқ тупроқ, соғ тупроқ.

ЛЁССОВЫ/Й, -ая, -ое сариқ (соғ) тупроққа оид, сариқ (соғ) тупроқли; **~е по́чвы** соғ тупроқли ерлар.

ЛЕСТНИЦ/А *ж* 1 нарвон, шоти; зина, пиллапоя; **мра́морная ~а** мармар зина; **пожа́рная ~а** ўт ўчирувчилар нарвони; 2 *перен. какая* поғона, даража; **служе́бная ~а** хизмат поғонаси (поғоналари); 3 *в знач. нареч.* **~ей** поғона-поғона (баланд-паст) бўлиб, даража-бадаража; нотекис.

ЛЕСТНИЧНЫЙ, -ая, -ое нарвонга (зинага) оид; нарвон...; зина...

ЛЕСТНО *нареч.* 1 мақтаб, яхшилаб, мақтов билан; **~ отозва́ться о но́вом рабо́тнике** янги ходим ҳақида яхши фикр билдирмоқ; янги ходимни мақтаб гапирмоқ; 2 *безл. в знач. сказ. кому* ҳуш ёқади; манзур, маъқул; **ребёнку было ~ внима́ние ста́рших** катталарнинг эътибори болага ҳуш ёқар эди.

ЛЕСТН/ЫЙ, -ая, -ое; -тен, -тна 1 ҳуш ёқадиган, маъқул (манзур) бўладиган; шарафли, фахрли; **~ое предложе́ние** маъқул таклиф; фахрли (фахрланса арзийдиган) таклиф; 2 мақтовли, яхши; **~ый о́тзыв** мақтов ёзилган (берилган) тақриз; мақтовли (яхши) баҳо.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЛЕСТЬ *ж* хушомад, тилёғлама мақтов; **то́нкая ~** нозик хушомад.

ЛЕСХО́З *м* (лесно́е хозя́йство) лесхоз (СССРда ўрмончилик хўжалиги).

ЛЕ́Т *м, предл.* **о лёте** и **на лету́** *по гл.* **лета́ть** и **лете́ть; ~ птиц** қушларнинг учиши (парвози); ✦ **стреля́ть** (или **бить**) **в ~** учиб бораётган қушни отиб олмоқ (туширмоқ); **на лету́** 1) учаётган пайтда, учиб бораётганда; 2) тез, дарров, дарҳол; **на лету́ хвата́ть** (или **лови́ть**) тез фаҳмлаб олмоқ, дарров илиб (билиб, тушуниб) олмоқ.

ЛЕ́ТА *м миф.* Лета (юнон мифологиясида: ер остидаги унутиш дарёси); ✦ **кану́ть в Ле́ту** ёддан кўтарилмоқ, абадий (батамом) унутилмоқ.

ЛЕТ/А *мн.* 1 йиллар; **не́сколько ~** бир неча йил(лар); 2 ёш; **челове́к сре́дних ~** ўрта яшар (ўрта ёшлардаги) одам; ✦ **во цве́те ~** яшнаган (етилган) чоғида, қирчиллама пайтида; **на скло́не ~** қариганда, қариган чоғида, кексайиб қолган пайтида; **в ~а́х** анча ёшга борган, ёши ўтиб қолган; **одни́х ~** тенгдош, тенгқур; **по мо́лодости ~** ёшлик қилиб, ёшлигига бориб, ёшлиги (тажрибасизлиги) туфайли, тажрибасизлигидан; **мафусаи́ловы ~а́** (или **го́ды**) **жить** узоқ умр кўрмоқ; Хизрнинг ёшини яшамоқ.

ЛЕТА́ЛЬНОСТЬ *ж мед.* леталлик (бирор касаллик, жароҳат, ёки тасодиф ва ш. к. оқибатидаги ўлимнинг ошкўринги, миқдори).

ЛЕТА́ЛЬНЫЙ, -ая, -ое ўлимга олиб борадиган, ўлим билан тугайдиган; **~ исхо́д** ўлим билан тугаш; оқибатда ўлиш.

ЛЕТАРГИ́ЧЕСК/ИЙ, -ая, -ое летаргия оқибатидаги, летаргик; летаргия...; **~ое состоя́ние** летаргик ҳолат; ✦ **~ий сон** *то же, что* **летарги́я.**

ЛЕТАРГИ́/Я *ж* летаргия, уйқу (узоқ ухлаш) касаллиги; **впасть в ~ю** летаргия уйқусига кетмоқ.

ЛЕТА́ТЕЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое учишга оид; учиш учун хизмат қиладиган; учиш...; **~ая спосо́бность птиц** қушларнинг учиш қобилияти; **~ые аппара́ты** учиш аппаратлари (самолёт, вертолёт, енгил дирижабль ва ҳ. к.).

ЛЕТА́/ТЬ *несов.* 1 учмоқ, парвоз қилмоқ; учиб юрмоқ; **ча́йки ~ют над мо́рем** чайкалар денгиз устида учиб юради (юрипти); 2 уча олмоқ, учиш қобилиятига эга бўлмоқ, учмоқ; [Катери́на:] **Отчего́ лю́ди не ~ют!** (А. Островский) Нима сабабдан одамлар уча олмайди!; 3 *перен.* учиб (оёғи ерга тегмай) юрмоқ; сал тегиб (сийпаб) ўтмоқ, ғиз-ғиз (ғир-ғир) бориб-келиб турмоқ; **ру́ки музыка́нта ~ли по кла́вишам пиани́но** музикачининг бармоқлари пианино клавишларини сийпаб ўтарди; 4 *разг.* елиб-югурмоқ, ҳаллос-ҳаллос чопмоқ, зир югурмоқ; 5 *разг.* ошиб тушмоқ, учиб (думалаб) кетмоқ; **бильа́рдные шары́ ~ли че́рез борт** бильярд шарлари бортдан ошиб тушарди.

ЛЕТАЮЩ/ИЙ, -ая, -ее 1 *прич. от* **лета́ть**; 2 *в знач. прил.* учадиган, учар; **~ее я́щеры** учар калтакесаклар.

ЛЕТЕ́ТЬ, лечу́, лети́шь *несов.* 1 учмоқ, парвоз қилмоқ; **самолёт лети́т** самолёт учиб бормоқда (юрипти); **пти́ца лети́т** қуш учиб бормоқда (юрипти); 2 учмоқ, кўтарилмоқ; сачрамоқ; **лети́т пыль** чанг кўтарилмоқда; **со сви́стом лети́т пу́ли** ўқлар ғиз-ғиз учмоқда (ўтмоқда); 3 *разг.* тушмоқ, тушиб (учиб, отилиб) кетмоқ, ағдарилмоқ; **со стола́ лете́ла посу́да** столдаги идишлар отилиб-отилиб кетмоқда эди; **~ со сту́ла** стулдан ағдарилиб тушмоқ; 4 *перен.* тез ўтмоқ, ўтиб кетмоқ, ўтиб бормоқ; **вре́мя лети́т** вақт тез ўтяпти; 5 тез бормоқ (югурмоқ, чопмоқ); елдай учмоқ, ғизиллаб (учиб) кетмоқ, учмоқ; **~ стрело́й** ўқдай учмоқ; **тро́йка лети́т** уч отли извош елдай учиб боради; 6 *перен. разг.* тез ўзгармоқ, ўзгариб кетмоқ; **температу́ра лети́т вверх** температура тез (бирдан) кўтарилиб кетяпти; **а́кции летя́т вниз** акциялар курси тушиб кетяпти; 7 *перен. разг.* барбод (йўқ) бўлмоқ, барҳам емоқ (топмоқ); **все наде́жды летя́т** ҳамма умидлар барбод бўлди; 8 *перен.* учмоқ, кетмоқ; интилмоқ; **все ду́мы к ней летя́т** бутун хаёлим унда.

ЛЁТКА *ж спец.* 1 лётка, кўз (металлургия печларида: эриган металл ёки шлак оқиб чиқадиган тешик); 2 *то же, что* **лето́к.**

ЛЁТНИ/Й, -яя, -ее 1 ёзги; ёз...; **~й день** ёз куни; ёзги кун; 2 ёзги, ёзлик, ёзда бўладиган (ишлатиладиган); **~й костю́м** ёзги (ёзлик) костюм; **~е кани́кулы** ёзги каникуллар; **~й кинотеа́тр** ёзги кинотеатр.

ЛЁТН/ЫЙ, -ая, -ое 1 учишга оид; учиш учун хизмат қиладиган, учиш учун қулай, учиш мумкин бўлган; **~ая пого́да** учиш учун қулай ҳаво; 2 авиацияга ва учувчиларга оид; авиация...; учувчилар...; **~ая фо́рма** учувчилар формаси; **~ая шко́ла** учувчилар мактаби; **~ое ка́чество самолёта** самолётнинг учиш қобилияти; **~ое мастерство́** учувчилик маҳорати.

ЛЁТО *с* ёз, ёз фасли; ✦ **ба́бье ~** *см.* **ба́бий.**

ЛЕТОИСЧИСЛЕ́НИЕ *с то же, что* **летосчисле́ние.**

ЛЕТО́К *м, р.* **-тка́** *спец.* куви, кўз (арихонанинг асаларилар кириб-чиқиб турадиган тешиги).

ЛЕ́ТОМ *нареч.* ёзда, ёз фаслида (пайтида, вақтида).

ЛЕТОПИСА́НИЕ *с* солнома ёзиш (йилма-йил тарихий воқеаларни ёзиб бориш).

ЛЕТОПИ́СЕЦ *м, р.* **-сца** солномачи, солноманавис, тарихни ёзиб борувчи.

ЛЕТОПИСН/ЫЙ, -ая, -ое солномага оид; солнома тарзидаги; солнома...; **~ое повество́вание об Алекса́ндре Не́вском** Александр Невский ҳақида солнома тарзидаги ҳикоя.

ЛЕ́ТОПИС/Ь *ж* 1 солнома, йилнома (замондошлар томонидан йилма-йил ёзиб борилган тарих); **древнеру́сские ~и** қадимий Русь солномалари; 2 *перен. высок.* тарих, солнома; **~ь вое́нной сла́вы на́шей Ро́дины** Ватанимизнинг ҳарбий шуҳрати солномаси; ✦ **жива́я ~ь** кўп воқеалар шоҳиди бўлган (уларни биладиган) киши.

ЛЕ́ТОСЧИСЛЕ́НИЕ *с* йил ҳисоби, сана.

ЛЕТУ́Н *м, р.* **-а́** *разг.* 1 яхши (тез) учадиган, тезучар (қуш); 2 учқур, чопқир, югурик, бадпай (от); 3 *перен.* қўнимсиз, беқарор одам.

ЛЕТУ́ЧЕСТЬ *ж* учувчанлик; **~ семя́н** уруғнинг учувчанлиги (учиб юра олиши); **~ вещества́** модданинг учувчанлиги (тез буғланиши).

ЛЕТУ́Ч/ИЙ, -ая, -ее 1 учадиган, ҳавода учиб юрадиган, учар; **~ие семена́** ҳавода учиб юрадиган уруғлар; 2 *перен.* тез ҳаракат қиладиган, жойини ўзгартириб турадиган, ҳаракатчан, чаққон; **~ий отря́д** тез ҳаракат қиладиган отряд; **~ая по́чта** тезюрар почта (уруш вақтида буйруқ ва хат-хабарни тез етказиш мақсадида тузиладиган почта); 3 тез ўтадиган, бир лаҳзали; **~ий ми́тинг** бир лаҳзали митинг; **~ая сы́пь** бир пасда пайдо бўладиган тошма (гул); 4 *спец.* учувчан, тез буғланадиган; **~ие масла́** учувчан мойлар; **~ая соль** буғланадиган туз; ✦ **~ий листо́к** *то же, что* **лету́чка** 1; **~ая ры́ба** учар балиқ (сувдан кўтарилиб бир оз уча оладиган балиқ); **~ая мышь** 1) кўршапалак; 2) фонарь, фонус.

ЛЕТУ́ЧК/А *ж, р. мн.* **-чек** 1 *разг.* (ошиғич) варақа; **вы́пустить ~у** варақа чиқармоқ; 2 летучка (тез ўтказиладиган қисқа мажлис); **провести́ ~у** летучка қилмоқ, летучка ўтказмоқ; **редакцио́нная ~а** редакция летучкаси; 3 *разг.* летучка (ҳаракатчан кўчма ишхона, отряд ва ш. к.); **ремо́нтная ~а** кўчма ремонт ишхонаси; 4 *бот.* учар (қанотли) уруғ, тўзғоқ.

ЛЁТЧИК *м* учувчи; **~-испыта́тель** синовчи-учувчи; **~-космона́вт** космонавт-учувчи.

ЛЁТЧИЦА *ж* учувчи аёл.

ЛЕТЯ́ГА *ж* летяга (олмахонга ўхшаш кемирувчи ҳайвон).

ЛЕЧЕБНИЦА *ж* шифохона, касалхона; **де́тская ~** болалар шифохонаси; **глазна́я ~** кўз касалликлари шифохонаси.

ЛЕЧЕ́БН/ЫЙ, -ая, -ое даволашга ва даволанишга оид; даволайдиган, даволовчи, шифобахш; даволаш...; даволаниш...; **~ые сре́дства** даволаш воситалари, дори-дармонлар; **~ая гимна́стика** даволаш гимнастикаси; **~ые учрежде́ния** даволаш муассасалари, шифохоналар.

ЛЕЧЕ́НИЕ *с* даволаш, даволаниш; даво, муолажа.

ЛЕЧИ́ТЬ, лечу́, ле́чишь *несов. кого-что* даволамоқ, шифоламоқ, боқмоқ, муолажа қилмоқ; **~ больно́го** беморни даволамоқ; **~ от гри́ппа** гриппдан даволамоқ; **~ пенициллино́м** пенициллин билан даволамоқ (муолажа қилмоқ); **~ туберкулёз** сил касалини

www.ziyouz.com kutubxonasi

даволамоқ, даволаб (боқиб, муолажа қилиб) сил касалини тузатмоқ (сил касалидан фориғ қилмоқ).

ЛЕЧИ́ТЬСЯ, лечу́сь, ле́чишься *несов.* 1 даволанмоқ, шифоланмоқ, даво (муолажа) олмоқ, қаратмоқ, даволатмоқ; ~ **в стациона́ре** стационарда даволанмоқ; ~ **на дому́** уйда даволанмоқ; ~ **у зубно́го врача́** (тиш докторига) тишларини даволатмоқ; 2 *страд. от* **лечи́ть.**

ЛЕЧЬ, ля́гу, ля́жешь, ля́гут; лёг, легла́; ляг(те) *сов.* (*несов.* **ложи́ться**) 1 ётмоқ, ётиб олмоқ, узанмоқ; ~ **на́ бок** ёнбошлаб ётмоқ, ёнбошламоқ; ~ **на́ спину** чалқанча тушиб ётмоқ; ~ **на дива́н** диванга ётмоқ; ~ **в посте́ль** ўрингa ётмоқ; **де́ти** уже́ **легли́** болалар ётиб (ухлаб) қолишди; ~ **в больни́цу** касалхонага (шифохонага) ётмоқ; 2 ўлмоқ, ҳалок бўлмоқ; **лечь на по́ле бра́ни** жанг майдонида ҳалок бўлмоқ; ~ **костьми́ (гру́дью, голово́й)** *высок.* жон фидо қилмоқ, ҳалок бўлмоқ, шаҳид бўлмоқ; 3 тушмоқ, қопламоқ, босмоқ, чўкмоқ; **снег лёг пелено́й** ҳамма ёқни қор кўрпаси қоплади; 4 *перен. на кого-что* зиммасига тушмоқ (юкланмоқ), гарданига юклатилмоқ; **отве́тственность ля́жет на вас** жавобгарлик сизнинг зиммангизга тушади; 5 бирор ҳолат олмоқ, маълум ҳолатга тушмоқ; **во́лосы легли́ во́лнами** сочлари жингала-жингала бўлиб ётди; ✦ ~ **в дрейф** *см.* **дрейф**; ~ **на но́вый курс** янги йўналиш олмоқ, янги йўлга тушиб олмоқ.

ЛЕ́Ш/ИЙ *м, р.* **-его́** алвасти, жин; ✦ **к ~ему** (иди, пошёл, ну тебя и т. п.) *прост.* йўқол, бор!, бор-э; **на како́го ~его** *прост.* нима керак, нима кераги бор, бошимга ураманми; **за каки́м ~им!** *прост.* нега!, нима учун!; **~ий (его́) зна́ет** *прост.* ким билади, ким билсин; **~ий несёт** *кого* кўз учиб турган эди; **~ий но́сит** *прост.* қаердадир юрипти, санғиб юрипти; **~ий с ним!** *разг.* майли, билганини қилсин!

ЛЕЩ *м, р.* **-а́** лещ (балиқ); ✦ **дать** (или **подда́ть** и т. п.) **~а́** *кому прост.* шапалоқ урмоқ, тарсаки туширмоқ.

ЛЕЩИ́НА *ж то же, что* **оре́шник.**

ЛЕЯ I *ж* и **ЛЕЙ** *м* лея (Руминияда: пул бирлиги).

ЛЕ́Я II *см.* **ле́и.**

ЛЖЕНАУ́КА *ж* сохта фан.

ЛЖЕНАУ́ЧНЫЙ, -ая, -ое сохта илмий, ғайриилмий.

ЛЖЕСВИДЕ́ТЕЛЬ *м* сохта гувоҳ, ёлғон гувоҳлик берувчи.

ЛЖЕСВИДЕ́ТЕЛЬНИЦА *ж см.* **лжесвиде́тель.**

ЛЖЕСВИДЕ́ТЕЛЬСТВО *с* сохта (ёлғон) гувоҳлик.

ЛЖЕУЧЕ́НИЕ *с* сохта таълимот, ғайриилмий назария.

ЛЖЕЦ *м, р.* **-а́** ёлғончи одам, алдамчи, алдоқчи, каззоб.

ЛЖИВОСТЬ *ж* ёлғонлик, ёлғончилик, алдамчилик, каззоблик.

ЛЖИВ/ЫЙ, -ая, -ое 1 ёлғончи, алдамчи, каззоб; **~ый челове́к** ёлғончи одам; 2 ёлғондакам, сохта, ясама, қалбаки; **~ая улы́бка** ёлғондакa кулги, сохта табассум; 3 ёлғон, ҳақиқатга хилоф, нотўғри; **~ые утвержде́ния** ёлғон даъволар; **~ые показа́ния** ёлғон гувоҳлик.

ЛИ и ЛЬ 1 *частица* -ми; **так ли?** шундайми; **придёшь ли ты?** келасанми?; **слыха́ли ль вы?** эшитдингизми?; эшитганмисиз?; **не зна́ю, приду́ ли** келаманми, келмайманми (келиш-келмаслигимни) билмайман; 2 *союз* айириш (ажратиш) маъносини ифодалайди; -ми; **ра́но ли, по́здно ли, но приду́** эртами, кечми, бари бир келаман.

ЛИА́Н/А *ж* 1 лиана (асосан тропик ва субтропик ўрмонларда ўсадиган чирмовиқ ўсимликларнинг умумий номи); 2 гажак; **~ы виногра́да** узумнинг гажаги.

ЛИБЕРА́Л *м* 1 либерал, либерализм тарафдори, либераллар партиясининг аъзоси; 2 *уст.* либерал, ҳурфикрли киши; 3 муросасозлик қилувчи (кўнгилчан) одам, муросасоз.

ЛИБЕРАЛИ́ЗМ *м* 1 либерализм (буржуа парламент тузуми ва буржуа эркинликлари тарафдорларини бирлаштирган, пролетар революциялари даврида ошкора равишда ишчилар синфи ва меҳнаткашлар оммасининг манфаатларига қарши курашган ғоявий-сиёсий оқим); 2 либерализм, зарарли муросасозлик, либераллик, кўнгилчанлик, бўш қараш, ён босиш.

ЛИБЕРА́ЛКА *ж, р. мн.* **-лок** *см.* **либера́л.**

ЛИБЕРА́ЛЬНИЧАТЬ *несов. с кем разг.* либераллик қилмоқ, муросасозлик (кўнгилчанлик) қилмоқ; бўш қарамоқ; ён босмоқ; **~с ле́нтяями** дангасаларга кўнгилчанлик қилмоқ (бўш қарамоқ).

ЛИБЕРА́ЛЬНОСТЬ *ж* либераллик, муросасозлик, кўнгилчанлик.

ЛИБЕРА́ЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое; -лен, -льна 1 либерализмга оид; либерализм руҳидаги; либерал...; **~ые па́ртии** либерал партиялар; 2 либераллик қилувчи; келишувчи, бўш қаровчи, муросасоз, кўнгилчан; **~ое отноше́ние к наруши́телям дисципли́ны** интизомни бузувчиларга кўнгилчан (бўш) қараш.

ЛИБЕРТИ́ *с нескл.* либерти (газламанинг бир тури).

ЛИ́БО *союз разд.* ё, ёки, ёхуд, ё эса; ~ **пан, ~ пропа́л** *погов.* ё остидан, ё устидан.

ЛИБРЕТТИ́СТ *м* либреттонавис, либретто ёзувчи, либретто автори.

ЛИБРЕТТИ́СТКА *ж, р. мн.* **-ток** *см.* **либретти́ст.**

ЛИБРЕ́ТТО *с нескл.* либретто (1 опера, оперетта каби асарларнинг тексти; ~ **о́перы** опера либреттоси; 2 балет, опера ёки пьесанинг қисқа мазмуни; 3 сценарий плани).

ЛИВА́НЕЦ *м, р.* **-нца** ливанлик киши, ливан; *см.* **лива́нцы.**

ЛИВА́НКА *ж, р. мн.* **-нок** ливанлик аёл; *см.* **лива́нцы.**

ЛИВА́НСКИЙ, -ая, -ое Ливанга ва ливанларга (ливанликларга) оид; Ливан...; ливан(лар)...

ЛИВА́НЦЫ *мн. (ед.* **лива́нец,** *м* **лива́нка** *ж)* Ливан халқи, ливанлар, ливанликлар.

ЛИ́ВЕНЬ *м, р.* **-вня** 1 жала, шаррос ёмғир; **хлы́нул ~ жала қуйди;** 2 *перен. чего или какой* селдай оқим, ёмғир, сел; ~ **трасси́рующих пуль** ёритувчи ўқлар ёмғири.

ЛИ́ВЕР I *м тех.* ливер (суюқликни сўриб олиш учун ишлатиладиган най).

ЛИ́ВЕР II *м* ўпка-жигар; **пиро́г с ~ом** ўпка-жигар (ўпка-жигар солинган) пирог.

ЛИ́ВЕРН/ЫЙ, -ая, -ое ўпка-жигарли, ўпка-жигардан тайёрланган, ўпка-жигар солинган; ўпка-жигар...; **~ая колбаса́** ўпка-жигар колбасаси.

ЛИВИ́ЕЦ *м, р.* **-и́йца** ливиялик киши, ливиялик; *см.* **ливи́йцы.**

ЛИВИ́ЙКА *ж, р. мн.* **-и́ек** ливиялик аёл; *см.* **ливи́йцы.**

ЛИВИ́ЙЦЫ *мн. (ед.* **ливи́ец** *м,* **ливи́йка** *ж)* Ливия халқи, ливияликлар.

ЛИВМЯ *нареч. разг.:* ~ **лить (ли́ться)** шариллаб ёғмоқ, шаррос (челаклаб) қуймоқ; **дождь ~ льёт** ёмғир шаррос қуймоқда.

ЛИВНЕВЫ/Й, -ая, -ое жалага оид; жала...; **~е во́ды** шаррос ёмғир суви; жала сувлари; **~е дожди́** шаррос ёмғир, жала.

ЛИВР *м* ливр (Францияда: 1 кумуш танга; кейинчалик франк номи билан аталган пул бирлиги; 2 0,52 килограммга тенг қадимги оғирлик ўлчови).

ЛИВРЕ́Я *ж* ливрея (кучер, дарвозабон ва ш. к. нинг заррин уқали формаси, кийими).

ЛИ́ГА I *ж* иттифоқ, бирлашма; ✦ **Ли́га на́ций** Миллатлар иттифоқи (давлатларнинг Биринчи ва Иккинчи жаҳон урушлари ўртасида мавжуд бўлган халқаро иттифоқи).

ЛИ́ГА II *ж муз.* лига (ноталарнинг тепасига қўйиладиган ва уларни бўлмасдан, бир-бирига улаб чалишни кўрсатувчи ёйсимон белги).

ЛИГАТУ́РА *ж* лигатура (1 *тех.* олтинни, кумушни, платинани қаттиқроқ ёки арзонроқ қилиш учун қўшиладиган мис ё қалай; 2 *тех.* легирловчи элементлар қотишмаси; 3 *мед.* қон томирлари боғланадиган ип, ипак; 4 қўшилоқ ҳарф).

ЛИГАТУ́РН/ЫЙ, -ая, -ое 1 *спец.* лигатурага оид; лигатурали, лигатура қўшилган; **~ое зо́лото** лигатура қўшилган олтин; 2 *мед.* лигатура қилинадиган, лигатурабоп; **~ый шёлк** лигатурабоп ипак.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЛИГНИ́Н *м* лигнин (1 *биол.* ёғоч таркибида бўладиган углеродга бой модда; 2 ёғоч ўзагидан тайёрланадиган ғижим қоғоз, ёғоч пахта).

ЛИГНИ́НОВ/ЫЙ, -ая, -ое лигнинга оид; лигнин...; **~ая кислота́** лигнин кислотаси.

ЛИГНИ́Т *м* лигнит (паст нав қўнғир тошкўмир).

ЛИГРОИ́Н *м* лигроин (оғир бензин).

ЛИГРОИ́НОВЫ/Й, -ая, -ое лигроинга оид; лигроинли; лигроин...; **~е раствори́тели** лигроинли эритувчилар.

ЛИ́ДЕР *м* 1 лидер, раҳбар, раҳнамо, йўлбошчи; **~ы социа́л-демократи́ческой па́ртии** социал-демократик партия раҳбарлари; 2 лидер, пешқадам; **~ турни́ра** турнир лидери (пешқадами); 3 *уст.* лидер (кемалар олдида борувчи миноносец ёки енгил крейсер).

ЛИ́ДЕРСТВО *с* 1 лидерлик, раҳбарлик, раҳнамолик; **захвати́ть ~ в па́ртии** партияда лидерликни (раҳнамоликни) қўлга олмоқ; 2 лидерлик, пешқадамлик; **борьба́ за ~ в турни́ре** турнирда лидерлик (пешқадамлик) учун кураш.

ЛИДИ́РОВАТЬ *несов.* лидерлик (пешқадамлик) қилмоқ; **~ в ша́хматном турни́ре** шахмат турнирида пешқадамлик қилмоқ.

ЛИЗА́ТЬ, лижу́, ли́жешь *несов.* (*сов.* **лизну́ть**) 1 *кого-что* яламоқ, ялаб-юлқамоқ, ялаб олмоқ (ичмоқ); **~ таре́лку** тарелкани яламоқ; **пёс ли́жет ла́пы** кучук оёқларини ялаяпти; 2 *перен.* яламоқ, тегмоқ; ялаб (тегиб, сийпаб) ўтмоқ; **ого́нь ли́жет сте́ны до́ма** оловнинг тили иморат деворларига тегиб ўтяпти; ✦ **~ пя́тки** (или **ру́ки, но́ги**) *кому прост.* оёғини ўпмоқ, лаганбардорлик (хушомадгўйлик) қилмоқ, товонини яламоқ, соясига кўрпача солмоқ.

ЛИ́ЗИС *м мед.* лизис (температуранинг секин-аста пасайиб, беморнинг соғая бориши).

ЛИЗНУ́ТЬ *сов. однокр. см.* **лиза́ть.**

ЛИЗОБЛЮ́Д *м разг. уст.* хушомадгўй, ювиндихўр, тилёғламачи, косапес, малай.

ЛИЗОБЛЮ́ДНИЧАТЬ *несов. разг. уст.* хушомадгўйлик қилмоқ, ювиндихўрлик (малайлик) қилмоқ.

ЛИЗОБЛЮ́ДСТВО *с разг. уст.* хушомадгўйлик, ювиндихўрлик, малайлик.

ЛИЗО́Л *м спец.* лизол (дезинфекция учун ишлатиладиган қизғиш-қўнғир мойсимон модда).

ЛИК I *м* 1 *уст.* и *высок.* юз, бет, ораз, чеҳра; 2 юз (бет) тасвири (қадимги портрет ва иконаларда); **тёмные ~и на ико́нах** иконалардаги қорамтир юзлар; 3 *перен.* ташқи кўриниш, қиёфа; **~ луны́** ойнинг кўриниши.

ЛИК II *м уст.* авлиё-анбиёлар (уларнинг руҳлари, арвоҳлари) жумласи қатори; **причи́слить к ~у святы́х** авлиё-анбиёлар жумласига (қаторига) киритмоқ.

ЛИКБЕ́З *м* (ликвида́ция безгра́мотности) 1 саводсизликни тугатиш; 2 саводсизлар мактаби, саводсизликни битириш мактаби.

ЛИКВИДА́ТОР *м* 1 ликвидатор, ликвидаторлик тарафдори; 2 тугатувчи, йўқ қилувчи.

ЛИКВИДА́ТОРСКИЙ, -ая, -ое ликвидаторга ва ликвидаторликка оид; ликвидатор...; ликвидаторлик...

ЛИКВИДА́ТОРСТВО *с* ликвидаторлик (1908—1912 йилларда РСДРПда пролетариатнинг нолегал революцион партиясини тугатишга уринган, революцион курашнинг зарурлигини инкор этган оппортунистик меньшевистик оқим).

ЛИКВИДАЦИО́ННЫЙ, -ая, -ое тугатувчи, ликвидация қилувчи; тугатиш...; **~ая коми́ссия** тугатиш (ликвидация) комиссияси.

ЛИКВИДА́ЦИЯ *ж* тугатиш, битириш, тарқатиш, йўқотиш, барҳам бериш; **~ тре́ста** трестни тугатиш; **~ кула́чества как кла́сса** қулоқларни синф сифатида тугатиш.

ЛИКВИДИ́РОВАТЬ *сов.* и *несов. кого-что* тугатмоқ, битирмоқ, барҳам бермоқ; тарқатмоқ, йўқотмоқ; **~ безгра́мотность** саводсизликни тугатмоқ; **~ диверса́нтов** диверсантларни йўқотмоқ.

ЛИКВИДИ́РОВА/ТЬСЯ, -руется 1 *сов.* и *несов.* тугамоқ, битмоқ, йўқ бўлмоқ; барҳам емоқ, фаолиятини тўхтатмоқ; **коми́ссия ~лась** комиссия ўз фаолиятини тугатди (тўхтатди); комиссия йўқ бўлди; 2 *несов. страд. от* **ликвиди́ровать.**

ЛИКВИ́ДНОСТЬ *ж фин.* тез пулга айлана олиши, ўтиш, қадрлилик, қувватлилик (банк, корхона, фирма ва ш. к. нинг активи — акциялари, векселлари ва ш. к. ҳақида).

ЛИКВИ́ДНЫ/Й, -ая, -ое *фин.* тез (дарҳол) ўтадиган, реализация қилинадиган, нақд пулга айланадиган, қадрли, қувватли; **~й фонд ба́нка** банкнинг тез (дарҳол) нақд пулга айлантирилиши мумкин бўлган фонди (акция, вексел ва ҳ. к. лар); **~е сре́дства** қадрли (қувватли) маблағлар (тез пулга айланадиган, ўтадиган акция ва ш. к. лар).

ЛИКЁР *м* ликёр (ўткир ширин спиртли ичимлик).

ЛИКЁРНЫ/Й, -ая, -ое ликёрга оид; ликёрли; ликёр...; **~е ри́омки** ликёр ичиладиган рюмка; **~е конфе́ты** ликёрли конфетлар.

ЛИКОВА́НИ/Е *с* шодлик, шод-хуррамлик, шодиёна; **~е наро́да** халқнинг шод-хуррамлиги; **пра́здничные ~я** байрам шодиёналари.

ЛИКОВА́ТЬ, -ку́ю, -ку́ешь *несов.* шодланмоқ, шод-хуррам (шодмон) бўлмоқ, қувонмоқ, завқланмоқ; **наро́д лику́ет** халқ шод-хуррам; халқ қувонч билан (шодиёна) тантана қилмоқда; **се́рдце лику́ет** дил завққа тўлган, кўнгил шод.

ЛИЛЕ́ЙН/ЫЙ, -ая, -ое 1 *уст. поэт.* оқ, оппоқ, нилуфардек; **~ая рука́** оқ (оппоқ) қўл; 2 *в знач. сущ.* **~ые** *мн. бот.* лолагуллилар.

ЛИЛЕ́Я *ж уст. поэт. то же, что* **ли́лия.**

ЛИЛИПУ́Т *м* 1 лилипут; 2 митти (жажжи, жуда кичкина) нарса; **кни́жка-~** митти китоб; **стано́к-~** митти (жуда кичик) дастгоҳ; 3 арзимас одам, пашмалоқ.

ЛИЛИПУ́ТКА *ж, р. мн.* **-ток** лилипут аёл.

ЛИ́ЛИЯ *ж* лилия (лолагуллиларга мансуб декоратив ўсимлик).

ЛИЛОВЕ́/ТЬ, -е́ет *несов.* 1 бинафша ранг туси билан ажралиб турмоқ, кўкариб кўринмоқ; **в клу́мбах ~ли фиа́лки** гулхоналарда бинафшалар кўкариб кўриниб турарди; 2 бинафша рангга кирмоқ, бинафша ранг тус олмоқ.

ЛИЛО́В/ЫЙ, -ая, -ое бинафша ранг, нафармон; **~ый цвет** бинафша ранг; **~ое пла́тье** нафармон кўйлак.

ЛИМА́Н *м* лиман, кўрфаз, қўлтиқ.

ЛИМБ *м тех.* лимб (бурчак ўлчагич асбобларда градусларга бўлинган доира).

ЛИМИ́Т *м* лимит (1 нормаланган миқдор; бирор нарсанинг муайян меъёри, чегараси; **~ креди́та** кредит лимити; **~ и́мпорта** импорт лимити; 2 *мат.* бирор математик ифоданинг энг катта ёки энг кичик қиймати).

ЛИМИТИ́РОВАНИЕ *с по гл.* **лимити́ровать; ~ расхо́дов** харажатларни лимитлаш.

ЛИМИТИ́РОВАТЬ *сов.* и *несов. что* лимитламоқ, лимит белгиламоқ (белгили миқдор билан чекламоқ); **~ и́мпорт** импортни лимитламоқ.

ЛИМИ́ТНЫ/Й, -ая, -ое лимитланган, лимитли, лимити (нормаси) белгиланган; **~е це́ны** лимитли (лимитланган) нархлар.

ЛИМНО́ЛОГ *м* лимнолог, лимнология мутахассиси.

ЛИМНОЛО́ГИЧЕСК/ИЙ, -ая -ое лимнологияга оид, лимнологик; лимнология...; **~ая съёмка** лимнологик съёмка.

ЛИМНОЛО́ГИЯ *ж* лимнология (гидрологиянинг кўлларни ўрганадиган бўлими).

ЛИМО́Н *м* лимон (ўсимлиги ва меваси); **чай с ~ом** лимонли чой; ✦ **вы́жатый ~** пишмай қуриб қолган дасмолқовоқ; шарти кетиб, парти қолган, кучдан, ишдан қолган одам.

ЛИМОНА́Д *м* лимонад.

ЛИМОНА́ДНЫЙ, -ая, -ое лимонадга оид; лимонад...

ЛИМО́НКА *ж, р. мн.* **-нок** лимонка (1 нокнинг бир тури; 2 *разг.* лимон шаклидаги қўл гранатаси).

ЛИМО́ННИК *м* лимон ўт.

ЛИМОННОКИ́СЛ/ЫЙ, -ая, -ое *спец.* лимон (нитрат) кислотага оид; лимон (нитрат) кислотали; лимон (нитрат) кислота...; **~ый хини́н** лимон кислотали хинин; **~ая соль** лимон (нитрат) кислота тузи.

ЛИМО́НН/ЫЙ, -ая, -ое 1 лимонга оид; лимон...; **~ый за́пах** лимон ҳиди; **~ый сок** лимон суви; 2 оч сариқ, лимон ранг; **~ый цвет** оч сариқ ранг, ✦ **~ая кислота́** лимон (нитрат) кислота; жавҳарлиму.

ЛИМУЗИ́Н *м* лимузин (енгил автомобилларнинг ёпиқ кузови ва шундай кузовли енгил автомобиль).

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЛИ́МФА *ж физиол.* лимфа (организмда қон билан тўқималар ўртасида модда алмашинувини таъминловчи суюқлик).

ЛИМФАДЕНИ́Т *м мед.* лимфаденит (лимфа тугунларининг яллиғланиши).

ЛИМФАТИ́ЧЕСК/ИЙ, -ая, -ое 1 *физиол.* лимфага оид, лимфатик; лимфа...; **~ие же́лезы** лимфатик безлар; лимфа безлари; 2 *уст.* руҳсиз, ланж, заиф, сust; **~ая нату́ра** ланж табиат одам.

ЛИНГАФО́Н *м* лингафон (товуш, нутқ ва ҳ. к. ёзилган пластинка, лента ва ш. к. тўплами).

ЛИНГВИ́СТ *м* лингвист, тилшунос.

ЛИНГВИ́СТИКА *ж* лингвистика, тилшунослик.

ЛИНГВИСТИ́ЧЕСКИЙ, -ая, -ое лингвистикага (тилшуносликка) оид; лингвистик; лингвистика...; тилшунослик...

ЛИНГВИ́СТКА *ж, р. мн.* **-ток** *см.* **лингви́ст.**

ЛИНЕ́ЙК/А I *ж, р. мн.* **-е́ек** 1 чизиқ (дафтар, доска ва ш. к. да); **писа́ть по ~е** чизиқ бўйлаб ёзмоқ, чизиққа ёзмоқ; **тетра́дь в косу́ю ~у** қия чизиқли дафтар; 2 линейка, чизғич, жазвал; **логарифми́ческая ~а** логарифмик линейка; 3 линейка, йўлка (лагерларда); 4 бир қаторли саф; **отря́д постро́ился в ~у** отряд бир қатор сафга тизилди; 5 линейка, сбор; **торже́ственная пионе́рская ~а** пионерларнинг тантанали линейкаси (сбори).

ЛИНЕ́ЙКА II *ж, р. мн.* **-е́ек** *уст.* линейка (кўп ўринли узун арава).

ЛИНЕ́ЙН/ЫЙ, -ая, -ое 1 узунликка, масофага оид; чизиқли, чизиқий; **~ые ме́ры** узунлик ўлчовлари; **~ая ско́рость** чизиқли (чизиқий) тезлик (вақт бирлиги ичида босилган масофа билан ўлчанадиган тезлик); **~ая геоме́трия** чизиқли (чизиқий) геометрия; 2 чизиқ шаклидаги, чизиқли; узунчоқ; чизиқлардан тузилган (иборат); **~ый лист расте́ния** ўсимликнинг узунчоқ (тасмасимон) барги; **~ый орна́мент** чизиқли орнамент, чизиқлардан тузилган гул; 3 *уст.* чегара бўйлаб жойлашган, чегарадаги; чегара...; **~ый каза́к** чегарада хизмат қилган казак; 4 *уст.* мунтазам, сафдаги; линия...; **~ые войска́** мунтазам қўшинлар; **~ый кре́йсер** линия крейсери; **~ый кора́бль** линия кемаси, сафдаги кема, линкор; 5 линиячи (транспорт йўлларида ёки телефон, электр ва ш. к. тармоғи линияларида ишловчи ишчи); **~ый рабо́тник тра́нспорта** транспорт линиячиси, транспорт йўлида ишловчи ходим; **~ая мили́ция** линия милицияси; транспорт йўлларида ишловчи милиция; **~ый связи́ст** линияда ишловчи алоқа ходими; 6 *в знач. сущ.* **~ый** *м* линейний (парад ва кўрикларда қисм ва бўлинмаларнинг қаерда саф тортиши ва қандай ўтишини кўрсатиб туриш учун қўйилган солдат).

ЛИНЕ́ЙЧАТЫЙ, -ая, -ое чизиқли, чизиқ-чизиқ, йўл-йўл, тарам-тарам.

ЛИНЁК I *м, р.* **-нька́** линёк (революциядан илгариги Россияда: матросларни жазолаш учун ишлатилган, бир учи тугун, смолаланган арқон, дарра).

ЛИНЁК II, *м, р.* **-нька́** *уменьш.-ласк. от* **линь** II.

ЛИ́НЗА *ж* линза; **~ микроско́па** микроскоп линзаси.

ЛИ́НЗОВЫЙ, -ая, -ое линзага оид; линзали; линза...; **~ светофо́р** линзали светофор.

ЛИ́НИ/Я *ж* 1 чизиқ, хат; **прама́я ~я** тўғри чизиқ; **ло́маная ~я** синиқ чизиқ; 2 чизиқ; чегара, йўл; **~я прице́ла** мўлжалга (нишонга) олиш чизиғи; **~я горизо́нта** уфқ чегараси (чизиғи); 3 саф, қатор, тизим, тизма; **оборони́тельная ~я** мудофаа линияси (чизиғи); **~я укрепле́ний** истеҳкомлар линияси (қатори); қатор истеҳкомлар; **~я гор** тоғ тизмаси; **постро́ить дома́ в одну́ ~ю** иморатларни қатор қилиб қурмоқ; 4 *уст.* чегара чизиғи; чегара; 5 саф, қатор; йўл; из; линия; **~я желе́зной доро́ги** темир йўл; **трамва́йная ~я** трамвай йўли (изи); **телегра́фная ~я** телеграф линияси; 7 қавм-қариндошлик; насл-насаб; **ро́дственники по прямо́й ~и** яқин (туғишган) қариндош (масалан, ўғил, қиз, невара, эвара); **родня́ по же́нской ~и** хотин (ёки она) томондан қариндошлар; 8 *перен.* тутилган йўл, сиёсат; қараш, нуқтаи назар; **генера́льная ~я па́ртии** партиянинг бош йўли; **вести́ ~ю** *ча что-н.* маълум йўналишда (мақсад йўлида) иш тутмоқ; **вести́** (или **гнуть**) **свою́ ~ю** ўз йўлини ўтказмоқ, ўз принципи асосида иш тутмоқ; 9 соҳа, бора; **рабо́тать по профсою́зной ~и** касаба союзлари соҳасида ишламоқ; 10 линия (Революциядан илгариги Россияда: дюймнинг ўндан бирига тенг узунлик ўлчови); ✦ **по ~и** *чего* йўли билан; **по ~и ме́стка́ма** местком йўли билан, маҳаллий комитет орқали.

ЛИНКО́Р *м* (лине́йный кора́бль) линкор, линия кемаси.

ЛИНОВА́ЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое чизиқ тортадиган, чизиқ чизадиган; **~ая маши́на** чизиқ тортадиган (қоғоз чизадиган) машина.

ЛИНОВАН/ЫЙ, -ая, -ое чизиқли, чизиқ тортилган, йўлли; йўл-йўл; **~ая бума́га** чизиқли қоғоз; **~ая тетра́дь** чизиқли дафтар.

ЛИНОВА́ТЬ, -ну́ю, -ну́ешь *несов. что* чизмоқ, чизиқ чизмоқ (тортмоқ); **~ бума́гу** қоғозга чизиқ тортмоқ, йўл-йўл чизиқ чизмоқ.

ЛИНО́ВК/А *ж* 1 *по гл.* **линова́ть; 2** чизиқ (дафтарда, қоғозда); **тетра́дь с коско́й ~ой** қия чизиқли дафтар.

ЛИНОЛЕУ́М *м* линолеум.

ЛИНОЛЕУМНЫЙ, -ая, -ое *то же, что* **лино́леумовый.**

ЛИНОЛЕУМОВ/ЫЙ, -ая, -ое линолеумга оид; линолеум...; **~ое произво́дство** линолеум ишлаб чиқариш; **~ый пол** линолеум пол.

ЛИНОТИ́П *м* линотип (ҳарф териш машинаси).

ЛИНОТИПИ́СТ *м* линотипчи, линотипда ҳарф терувчи.

ЛИНОТИ́ПНЫЙ, -ая, -ое линотипга оид, линотипда терилган; линотип...; **~ набо́р** линотипда терилган набор; линотипда ҳарф териш.

ЛИ́НТЕР *м* линтер (чигитда қолган тук ва қисқа тола).

ЛИ́НТЕР-МАШИ́НА *уст. то же, что* **пухоотдели́тельная маши́на;** *см.* **пухоотдели́тельный.**

ЛИНЧ: суд Ли́нча Линч суди (АҚШда: негрларни ва революция арбобларини судсиз-сўроқсиз ваҳшийларча жазолаш, оломон қилиши).

ЛИНЧЕ́ВАНИЕ *с по гл.* **линчева́ть; ~ не́гров** негрларни судсиз-сўроқсиз оломон қилиш, жазолаш.

ЛИНЧЕВА́ТЬ, -чу́ю, -чу́ешь *сов.* и *несов. кого* судсиз-сўроқсиз оломон қилмоқ, жазоламоқ (АҚШда).

ЛИНЬ I *м мор.* линь (кемаларда ишлатиладиган ингичка пишиқ арқон).

ЛИНЬ II *м* линь (зоғорабалиқнинг бир тури).

ЛИ́НЬКА *ж по гл.* **линя́ть** 2; **~ пу́шных звере́й** мўйнали ҳайвонларнинг туллаши.

ЛИНЮ́ЧИЙ, -ая, -ее *разг.* 1 айнийдиган, ўнгадиган, ўнгиб кетадиган, ранги ўзгарадиган, айнама; **~ си́тец** ўнгадиган чит; 2 туллаётган, пўст ташлаётган.

ЛИНЯ́ЛЫЙ, -ая, -ое *разг.* 1 айниган, ўнгиб кетган, тусини (рангини) ўзгартган; ранги ўчган; оқарган; 2 туллаган, пўст ташлаган; **~ за́яц** туллаган қуён.

ЛИНЯ́/ТЬ *несов.* 1 айнимоқ, ўнгмоқ; ўнгиб (айниб, ўзгариб) кетмоқ; оқармоқ; 2 тулламоқ; пўст ташламоқ; **пти́цы ~ю́т** қушлар туллайди (туллаяпти).

ЛИ́ПА I *ж* жўка (липа) дарахти.

ЛИ́ПА II *ж прост.* сохта (қалбаки) нарса (ҳужжат ва ш. к.).

ЛИ́ПК/А *ж, р. мн.* **-пок** *уменьш. от* **ли́па** I; ✦ **ободра́ть** (или **облупи́ть, ободра́ть**) **как ~у** *прост.* бор-йўғини шилмоқ, шип-шийдон қилиб (талаб) кетмоқ.

ЛИ́ПК/ИЙ, -ая, -ое; -пок, -пка́, -пко 1 ёпишқоқ, ёпишадиган, елимшак; **~ая бума́га** ёпишқоқ қоғоз; **~ие конфе́ты** ёпишқоқ конфетлар; 2 *перен. разг.* хира, шилқим, ёпишқоқ, суллоҳ; **~ий челове́к** хира (суллоҳ) одам.

ЛИ́ПНУТ/Ь, -ну, -нешь; лип и ли́пнул, ли́пла *несов.* 1 *к кому-чему* ёпишмоқ, илашмоқ; ёпишиб (илашиб) қолмоқ; **К его́ сапога́м ли́пли жёлтые ли́стья** (Чехов) Унинг этикларига сариқ барглар ёпишарди (илашарди); 2 *разг.* ёпишқоқ бўлмоқ, ёпишиш хусусиятига эга бўлмоқ; ёпишмоқ; **ма́рки пло́хо ~** маркалар яхши ёпишмаяпти; 3 *перен. разг.* ёпишмоқ, қўнмоқ; тегмоқ; **уберите сла́дкое, му́хи ~** ширинликларни олиб қўйинглар, пашша тегяпти (ёпишяпти); 4 *перен. к кому разг.* ёпишмоқ, суркалмоқ, интилмоқ; ишқалмоқ; **младе́нец ли́пнет к ма́тери** чақалоқ онасига ёпишади; 5 *перен. к кому* хиралик (шилқимлик) қилмоқ, ёпишиб олмоқ, илашмоқ, суркалмоқ; **что ты ли́пнешь ко**

www.ziyouz.com kutubxonasi

всем! нега ҳаммага шилқимлик қилаверасан!; 6 *разг.* юмилмоқ, бекилмоқ (кўз, лаб ҳақида); **глаза́** ~ кўзлар юмилиб кетяпти; мудроқ босяпти.

ЛИПНЯ́К *м, р.* **-а́** липазор, жўказор.

ЛИПО́ВЫЙ I, -ая, -ое липага (жўкага) оид; липа...; жўка...; ~**е ли́стья** липа барглари, жўка япроқлари; 2 жўкадан (жўка ёғочидан) қилинган; жўка гулидан тайёрланган (олинган); липа..., жўка...; ~**й ча́й** жўка чойи; ~**й мёд** липа асали; ✦ ~**й цвет** қуритилган липа гули (медицинада терлатадиган дори сифатида ишлатилади).

ЛИ́ПОВ/ЫЙ II, -ая, -ое 1 сохта, ясама, қалбаки; ~**ая спра́вка** қалбаки справка; 2 анчаки, бўлар-бўлмас, арзимас; ~**ый писа́тель** анчаки ёзувчи.

ЛИПО́МА *ж мед.* хавфсиз ёғ ўсмаси, ёғ шиши.

ЛИПУ́Ч/ИЙ, -ая, -ее *прост.* ёпишқоқ, елимшак; ~**ая бума́га** ёпишқоқ қоғоз; ~**ая паути́на** ўргимчакнинг ёпишқоқ (илашувчан) ини.

ЛИПУ́ЧКА *ж, р. мн.* **-чек** *разг.* ёпишқоқ нарса; ~ **для мух** пашша ёпишадиган қоғоз; **приста́л, как** ~ елимдай (хира пашшадай) ёпишиб олди.

ЛИ́Р/А I *ж* 1 лира (Юнонистонда: чертиб чалинадиган торли музика асбоби); 2 поэтик ижодиёт рамзи; илҳом париси; ~**а Пу́шкина** Пушкиннинг шеърий ижодиёти, Пушкиннинг илҳом париси; **Я** ~**у посвяти́л наро́ду своему́** (Некрасов) Мен халқимга шеърий ижодиётимни бағишладим; 3 лира (белорус ва украин қўшиқчиларининг камонча билан чалинадиган торли музика асбоби).

ЛИ́РА II *ж* лира (Италия, Ватикан ва Туркияда: пул бирлиги).

ЛИРИ́ЗМ *м* 1 лиризм, лириклик, лирик хусусиятлар; ~ **му́зыки Чайко́вского** Чайковский музикасидаги лиризм; 2 таъсирланиб завққа (нашъага) тўлган руҳий ҳолат, лирик кайфият, ҳиссиёт; **впасть в** ~ таъсирланиб эриб кетмоқ, маст бўлмоқ; ҳиссиётга берилмоқ.

ЛИ́РИК *м* лирик, лирик шоир.

ЛИ́РИК/А *ж* лирика (1 поэзиянинг ҳис-туйғу ва ички кечинмаларни ифодаловчи бир тури); 2 лирика, лирик асарлар мажмуи; ~**а Навои́** Навоий лирикаси; 3 *разг.* эмоцияга (ҳиссиётга) берилган ҳолат, кайфият; **впасть в** ~**у** ҳиссиётга берилмоқ.

ЛИ́РИКО-ДРАМАТИ́ЧЕСК/ИЙ, -ая, -ое лирик-драматик (1 *лит.* лирик ва драматик асарлар хусусиятини ўзида бирлаштирган; ~**ая поэ́зия** лирик-драматик поэзия; 2 *муз.* лирик ва драматик овоз ўртасидаги; ~**ое сопра́но** лирик-драматик сопрано).

ЛИ́РИКО-ЭПИ́ЧЕСКИЙ, -ая, -ое *то же, что* **ли́ро-эпи́ческий.**

ЛИРИ́ЧЕСК/ИЙ, -ая, -ое 1 лирик, ҳис-туйғуларни ифодаловчи; ~**ое стихотворе́ние** лирик шеър; ~**ий по́эт** лирик шоир; 2 лирик, лиризм билан суғорилган, ҳис-туйғуларга тўлган, ҳиссий, эмоционал; ~**ое настрое́ние** лирик кайфият; 3 *муз.* майин, ёқимли, лирик; ~**ий те́нор** лирик тенор ✦ ~**ое отступле́ние** 1) *лит.* лирик чекиниш; 2) *шутл.* ҳиссиётга, лирик кайфиятга берилиб мавзудан четга чиқиш (гапда, суҳбатда).

ЛИРИ́ЧНОСТЬ *ж* лириклик.

ЛИРИ́ЧНЫЙ, -ая, -ое; -чен, -чна *то же, что* **лири́ческий** 2; ~ **тон** лирик (мулойим) тон.

ЛОПОТАТЬ, -очу́, -о́чешь *несов. разг.* 1 гувранмоқ, ноаниқ гапирмоқ, бижирламоқ (болалар ҳақида); 2 ноаниқ (ғўнғир-ғўнғир) гапирмоқ тўнғиллламоқ, жаврамоқ; 3 нотаниш тилда гапирмоқ, валақламоқ; 4 *перен.* шитирлаган овоз чиқармоқ, шитирламоқ, жилдирамоқ, шитир-шитир қилмоқ.

ЛОПОУХИЙ, -ая, -ое 1 *разг.* шалпангқулоқ, узунқулоқ; **~ щено́к** шалпангқулоқ кучук; 2 *прост.* галварс, анқов, овсар.

ЛОПУХ *м, р.* **-а́** 1 *бот.* қариқиз ва унинг барги; 2 *перен. прост.* каллаварам, хомкалла.

ЛОРД *м* 1 лорд (Англияда: дворянларнинг авлодданавлодга ўтиб келадиган олий унвони ва шу унвонга эга бўлган одам); **пала́та ~ов** лордлар палатаси (Англия парламентининг юқори палатаси); 2 лорд (Англияда баъзи олий мансабдорларнинг унвони); **~-ка́нцлер** лорд-канцлер (лордлар палатасининг раиси).

ЛО́РДСТВО *с* 1 лордлик; 2 *собир. разг.* лордлар.

ЛОРНЕ́Т *м* лорнет (буклама дастали кўзойнак).

ЛОРНИ́РОВАТЬ *сов.* и *несов. кого-что уст.* лорнет орқали қарамоқ, кўрмоқ, кузатмоқ.

ЛОСЁВ/ЫЙ, -ая, -ое лосга оид; лось...; **~ая шку́ра** лось териси; **~ая подо́шва** лось терисидан ишланган тагчарм.

ЛОСЁНОК *м, р.* **-нка**, *мн.* **-ся́та** лось боласи.

ЛОСИ́Н/А *ж* 1 лось терисидан ишланган чарм; 2 *мн.* **~ы** лосина (замшдан тикилган ҳарбийча шим); **кираси́ры в ~ах** лосина кийган кирасирлар; 3 лось гўшти.

ЛОСИ́Н/ЫЙ, -ая, -ое 1 лосга оид; лос...; **~ые рога́** лось шохлари; 2 лось теридан (чармдан) ишланган; **~ая подо́шва** лось теридан ишланган тагчарм.

ЛОСК *м* 1 жило, сайқал; пардоз, ялтироқ; **сапоги́ с ~ом** ялтироқ этик; 2 *перен.* ташқи орасталик, усти ялтироқлик, оро, зеб; ✦ **в ~** *прост.* бутунлай, тамомила, ғирт; **обдан**; **пья́н в ~** ғирт маст; **износи́ть оде́жду в ~** кийимни тақири (яғири) чиққунча киймоқ; кияверіб тақирини (яғирини) чиқармоқ, ялтиратиб юбормоқ.

ЛОСКУ́Т *м* 1 *мн.* **лоскуты́** и **лоскута́** қийқим, қийқинди; резги, парча; **одея́ло из ~ов** қийқимлардан тикилган кўрпа; қуроқ кўрпа; 2 *также* **ло́скут** *спец.* лахтак; 3 *мн.* **лоскута́ жулдир.**

ЛОСКУ́ТН/ЫЙ, -ая, -ое қийқиндидан (қийқимлардан) қилинган; қуроқ, қурама; **~ое одея́ло** қуроқ кўрпа; ✦ **~ая мона́рхия** *ист.* қурама монархия (Австро-Венгриянинг киноялы номи).

ЛОСНИ́СТ/ЫЙ, -ая, -ое пардозланган, сайқал (жило) берилган, жилоли, ялтироқ; силлиқ; **~ая шку́рка** силлиқ тери, пардозланган тери; **~ые ку́дри** пардоз қилинган (ялтироқ) жингалак соч.

ЛОСН/И́ТЬСЯ *несов.* ялтирамоқ, ярқирамоқ; ялт-ялт қилмоқ; **кра́шеный пол ~и́тся** бўялган пол ялт-ялт қилади; **рукава́ ~я́тся от гря́зи** енглари кир босиб (яғири чиқиб) ялтираб кетипти.

ЛОСОСЁВ/ЫЙ, -ая. -ое 1 лосось балиғига оид; лосось...; **~ая икра́** лосось увулдириғи; **~ые консе́рвы** лосось консервалар; 2 *в знач. сущ.* **~ые** *мн. зоол.* лососларга мансуб балиқлар.

ЛОСОСИ́НА *ж* лосось гўшти, лосось.

ЛОСОСИ́ННЫЙ, -ая, -ое лососдан (лосось гўштидан) тайёрланган; лосось...

ЛОСОСЬ и **ЛОСОСЬ** *м* лосось (гўшти қизил балиқ).

ЛОСЬ *м, р. мн.* **-се́й** лось (буғулар оиласига мансуб бутоқ шохли ҳайвон).

ЛОСЯТИНА *ж* лось гўшти; **жа́реная ~** қовурилган лось гўшти.

ЛОСЯ́ТНИК *м* 1 лось овловчи, лось овчиси; 2 лось турадиган (боқиладиган) хона, лосхона.

ЛОТ I *м* лот (денгиз чуқурлигини ўлчайдиган асбоб); **броса́ть ~** лот ташламоқ.

ЛОТ II *м* лот (12,8 граммга тенг қадимги рус оғирлик ўлчови).

ЛОТЕРЕ́ЙНЫЙ, -ая, -ое лотереяга оид; лотерея...; **~ биле́т** лотерея билети.

ЛОТЕРЕ́Я *ж* лотерея; **де́нежно-вещева́я ~** пул-буюм лотереяси.

ЛО́ТЛИНЬ *м мор.* лотлинь (лот боғланадиган арқон, трос).

ЛОТО́ *с нескл.* лото; **игра́ть в ~** лото ўйнамоқ.

ЛОТО́К *м, р.* **-тка́** 1 лоток (чакана савдо столчаси ёки дўкончаси); **прода́жа с лотка́** лотокда савдо қилмоқ; 2 очиқ нов, тарнов; **ме́льничный ~** тегирмон нови; 3 *спец.* махсус тоғора, ковш (фойдали қазилмаларни ювиб ажратиб олиш учун ишлатилади).

ЛО́ТОС *м* нилуфар.

ЛОТОСОВЫЙ, -ая, -ое нилуфарга оид; нилуфар...; **~ сте́бель** нилуфар пояси (банди).

ЛОТО́ЧНИК *м* лотокчи, лотокда нарса сотувчи, савдо қилувчи, вофуруш.

ЛОТО́ЧНИЦА *ж см.* **лото́чник.**

ЛОХ I *м* жийда (дарахти ва меваси).

ЛОХ II *м* эркак сёмга (увулдириқ қўйиш давридаги номи).

ЛОХА́НКА *ж, р. мн.* **-нок** *то же, что* **лоха́нь**; ✦ **по́чечная ~** *анат.* буйрак жоми.

ЛОХА́НОЧНЫЙ, -ая, -ое тоғорага (жомга) оид; тоғора..., жом...; **~ о́бруч** тоғора гардиши.

ЛОХА́НЬ *ж* тоғора, жом; чўра; **~ для сти́рки** кир тоғора, жомашов.

ЛОХМАТИТЬ, -а́чу, -а́тишь *несов. кого-что разг.* пахмайтирмоқ; тўзғитмоқ, титмоқ; **~ во́лосы** сочни пахмайтирмоқ.

ЛОХМАТ/ИТЬСЯ, -ится 1 паҳмаймоқ, чувалмоқ, ҳурпаймоқ; тўзғимоқ; титилмоқ; **ткань от сти́рки ~ится** (бу) газмол ювилганда титилиб кетади; **во́лосы от ве́тра ~ятся** шамолда сочлар тўзғиб (пахмайиб) кетяпти; 2 *страд. от* **лохма́тить.**

ЛОХМАТ/ЫЙ, -ая, -ое 1 бароқ, сержун; **~ый пёс** бароқ ит; 2 юнги (жуни) узун, пахмоқ; **~ая ша́пка** жуни узун-узун қалпоқ; **~ая ткань** пахмоқ газмол; 3 *разг.* тўзғиган, таралмаган, пахмоқ, чигал; **~ая голова́** сочи таралмаган (тўзғиган) бош; 4 *перен. разг.* тарвақайлаган; узуқ-юлуқ; жулдур-жулдур; **~ый бурья́н** тарвақайлаган бурган; **~ые облака́** узуқ-юлуқ булутлар.

ЛОХМА́Ч *м, р.* **-а́** *прост.* сочи пахмайган (ҳурпайган) одам; бароқ, сержун (ҳайвон).

ЛОХМО́ТНИК *м уст.* 1 эскифуруш; 2 уст-боши жулдур одам, жулдур-воқи, қашшоқ.

ЛОХМО́ТЬ/Я *мн.* 1 жулдур кийим; жулдур; эски-тускі, увада; **ни́щий в ~ях** жулдур кийган гадой; **Оде́жда на нём [старике́] висе́ла ~ями** (Тургенев) Уст-бошининг жулдури оқиб (осилиб) кетган эди; 2 лахтак, бўлак, узуқ-юлуқ (юлуқ-жулдур) нарса, парча; **~я туч** узуқ-юлуқ булут парчалари.

ЛО́ХМЫ *мн. прост.* тўзғиган (ҳурпайган) соч толимлари (одамда); осилиб тушган юнглар (ҳайвонларда).

ЛО́ЦИЯ *ж* лоция (1 навигация илмининг айрим сув ҳавзаларида кема ҳайдаш шароитларини ўрганадиган тармоғи; 2 айрим сув ҳавзаларининг шароитлари ҳақидаги маълумотларни ичига олган қўлланма); **~ Каспи́йского мо́ря** Каспий денгизи лоцияси.

ЛО́ЦМАН *м* лоцман (1 кемаларга йўл кўрсатувчи мутахассис; 2 балиқнинг бир тури).

ЛОШАДИ́Н/ЫЙ, -ая, -ое 1 отга оид; от...; **~ое ржа́нье** отнинг кишнаши; 2 отни эслатадиган; отбашара; **~ое лицо́** от юз, чўзиқ юз; 3 *разг.* отдек (соғлиқ, куч ҳақида); 4 *в*

www.ziyouz.com kutubxonasi

знач. сущ. **~ые** *мн. зоол* отсимонлар (тоқ туёқли сутэмизувчи ҳайвонлар оиласи); ✦ **~ая си́ла** от кучи (қувват бирлиги); **~ая до́за** ҳаддан ташқари кўп (катта) доза, миқдор.

ЛОША́ДКА *ж, р. мн.* **-док** пастак от; той, тойча, отча.

ЛОША́ДНИК *м разг.* 1 от ишқивози; чавандоз; 2 аспижаллоб.

ЛОША́ДЬ *ж, р. мч.* **-е́й**, *тв.* **-дьми́** и **-дя́ми** от; йилқи; **верхова́я ~** салт (миниладиган) от; **бего́вая ~** пойгачи от; **скакова́я ~** чопқир от; **упряжна́я ~** аравакаш (аравага қўшиладиган) от; **~-полукро́вка** дурагай от.

ЛОША́К *м, р.* **-а** хачир (отаси от хачир).

ЛОЩЕ́НИЕ *с по гл.* **лощи́ть**; **~ ко́жи** чармга (терига) пардоз бериш; чармни пардозлаш, ялтиратиш.

ЛОЩЁН/ЫЙ, -ая, -ое 1 ялтиратилган, пардозланган, жилоли, ялтироқ; **~ая бума́га** ялтироқ қоғоз; 2 *перен.* ўзига оро (зеб) берган, олифта; **~ый молодо́й челове́к** олифта йигит, ўзига оро (зеб) берган йигит.

ЛОЩИ́ЛЬНЫ/Й, -ая, -ое *тех.* пардоз (жило) берадиган, ялтиратадиган; жилолаш...; кудунглаш...; **~е маши́ны** пардоз (жило) берадиган машиналар; пардозлаш (жилолаш) машиналари.

ЛОЩИ́НА *ж* жарлик, жар.

ЛОЩИ́ТЬ *несов. что* ялтиратмоқ, пардоз (жило) бермоқ; кудунгламоқ; **~ во́ском** мум суртиб ялтиратмоқ; **~ бума́гу** қоғозни ялтиратмоқ; **~ атла́с** атласни кудунгламоқ.

ЛОЯ́ЛЬНО *чареч.* тўғри; содиқ (ёки холис) туриб, қонун-қоида чегарасидан чиқмай; одоб сақлаб; **держа́ть себя́ ~** ўзини тўғри тутмоқ; содиқ (ёки холис) турмоқ; одоб сақламоқ.

ЛОЯ́ЛЬНОСТЬ *ж* тўғрилик, содиқ (ёки холис) туриш, қонун-қоида чегарасидан чиқмаслик; одоб сақлаш; **соблюда́ть ~** содиқ (ёки холис) турмоқ; қонун-қоидага риоя қилмоқ; одоб сақлаб иш тутмоқ.

ЛОЯ́ЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое; -лен, -льна тўғри; формаль жиҳатдан содиқ (ёки холис), қонун-қоида чегарасидаги; боадаб; **~ый челове́к** тўғри (қонун-қоидага содиқ ёки холис) одам; **~ое отноше́ние** тўғри (боадаб) муносабат.

ЛУБ *м, мн.* **лу́бья** 1 луб, пўстлоқ (дарахт ва ўсимликларнинг органик модда алмашинувига хизмат қиладиган найсимон узун толали пўстлоғи); 2 чипта; пўстлоқ; **ко́роб из ~а** пўстлоқ (чипта) коробка; **шала́ш, покры́тый ~ом** чипта билан ёпилган чайла; 3 луб, тола (каноп, зиғир ва ш. к. ўсимликлар поясининг толаси).

ЛУБО́К *м, р.* **-бка́** 1 *то же, что* **луб** 2; 2 *мед.* тахтакач; **наложи́ть ~** тахтакачламоқ, тахтакач қўйиб боғламоқ; 3 лубок (тахта клише ва ундан босилган суратлар, лавҳалар); **ру́сский ~** рус лубоги; 4 *то же, что* **лубо́чная литерату́ра**; *см.* **лубо́чный** 3.

ЛУБО́ЧН/ЫЙ, -ая, -ое 1 пўстлоқдан (ёки чиптадан) қилинган; пўстлоқ...; чипта...; **~ая корзи́на** пўстлоқ (чипта) сават; 2 тахта клишедан босилган; **~ая карти́на** тахта клишедан босилган расм; 3 ✦ **~ая литерату́ра** 1) революциядан илгари оддий халқ орасида маърифат тарқатиш учун чиқарилган содда кино ва бошқалар; 2) *перен.* бадиий жиҳатдан заиф адабиёт, бўш асар.

ЛУБЯ́Н/ОЙ, -а́я, -о́е 1 пўстлоқдан, чиптадан қилинган; пўстлоқ...; чипта...; луб...; **~ые изде́лия** пўстлоқ (чипта) буюмлар; 2 лубли, толали; **~ые расте́ния** лубли (толали) ўсимликлар.

ЛУГ *м, мн.* **-а́** ўтзор, майсазор, кўкаламзор, ўтлоқ, яйлов; **заливно́й ~** сув бостирилган (бостириладиган) ўтзор; тошқин вақтида сув босадиган кўкаламзор; **альпи́йские ~а́** баланд тоғлардаги ўтзорлар, яйловлар.

ЛУГОВИ́НА *ж разг.* кичик ўтзор, кўкатзор, майсазор.

ЛУГОВО́Д *м* ўтзорчи, ўтзорчилик мутахассиси.

ЛУГОВО́ДСТВО *с* ўтзорчилик, ўтзорларни парвариш қилиш ва кўпайтириш.

ЛУГОВ/О́Й, -а́я, -о́е 1 ўтзорда бўладиган, ўсадиган; ўтзор..., ўтлоқ...; **~а́я расти́тельность** ўтлоқ ўсимликлари; 2 ўтзорчилик билан боғланган; ўтзорчилик..., ўтзорлар учун белгиланган; **~а́я се́ялка** ўтзорчилик сеялкаси; **~а́я ста́нция** ўтзорчилик станцияси.

ЛУГОМЕЛИОРАТИВНЫ/Й, -ая, -ое ўтзорлар мелиорациясига, ўтзорларни яхшилашга оид; **~е рабо́ты** ўтзорлар мелиорациясига (ўтзорларни яхшилашга) оид ишлар.

ЛУГОМЕЛИОРА́ЦИЯ *ж* ўтзорлар мелиорацияси, ўтзорларни яхшилаш ишлари, чоралари.

ЛУГОПАСТБИ́ЩНЫЙ, -ая, -ое ўтзор яйловларга оид, ўтзор ва яйловда амалга ошириладиган; ўтзор ва яйлов...; **~ севооборо́т** ўтзор ва яйловларда алмашлаб экиш.

ЛУ́ДА *ж* луда (металл оқартириш учун ишлатиладиган қалай қотишмаси).

ЛУДИ́ЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое қалай билан қоплашга (металл оқартиришга) оид: металл оқартирадиган; металл оқартириш...; **~ое де́ло** қалай билан қоплаш (оқартириш) ишлари.

ЛУДИ́ЛЬЩИК *м* металл оқартирувчи мисгар, уста.

ЛУДИ́ТЬ, лужу́, лу́дишь и -и́шь *несов. что* оқартирмоқ (металл буюмлар сиртига, асосан пўлат, мис буюмларга қалай югуртириб оқартирмоқ); **~ посу́ду** идишларни оқартирмоқ.

ЛУ́Ж/А *ж* 1 кўлмак, кўлоб; **~и на доро́ге** йўлдаги кўлмаклар (кўлоблар); 2 халқоб, халқоб сув; **на полу́ образова́лась ~а** полда сув халқоб бўлиб қолди; ✦ **сесть в ~у** *прост.* ўсал (мулзам) бўлмоқ; расво бўлмоқ, шармандаси чиқмоқ.

ЛУЖА́ЙКА *ж, р. мч.* **-а́ек** кичик ўтзор, майсазор; **лесна́я ~** ўрмондаги майсазор.

ЛУЖЕ́НИЕ *с по гл.* **луди́ть**; **~ котло́в** қозонларни оқартириш.

ЛУЖЁН/ЫЙ, -ая, -ое қалайлаб оқартирилган, қалай (луда) билан қопланган; **~ая кастрю́ля** оқартирилган кастрюл; ✦ **~ая гло́тка** *у кого прост.* 1) гапириб (бақириб ёки куйлаб) чарчамайдиган одам; 2) кўп ичадиган, ичиб маст бўлмайдиган одам

ЛУЖИЦК/ИЙ, -ая, -ое лужицаликларга оид; лужицаликлар...; **~ая культу́ра** лужицаликлар маданияти.

ЛУЖИЧА́НЕ *мн (ед.* **лужича́нин** *м,* **лужича́нка** *ж)* лужицаликлар (Юқори ва Қуйи Лужицада, Шпрее дарёсининг юқори ва ўрта оқимларида яшовчи ғарбий славян халқи; Лужица серблари).

ЛУЖИЧА́НИН *м* лужицалик; *см.* **лужича́не.**

ЛУЖИЧА́НКА *ж, р. мч.* **-нок** лужицалик аёл; *см.* **лужича́не.**

ЛУЖО́К *м, р.* **-жка́** *уменьш.-ласк. от* **луг** кичик ўтзор, майсазор.

ЛУЗ/А *ж* луза; **загна́ть шар в ~у** шарни лузага тушириш.

ЛУЗГА *ж собир.* пўчоқ, қовуз; **~ подсо́лнечника** пистачка пўчоғи; **хло́пковая ~** чигит пўчоғи, шулхаси.

ЛУЗГА́ТЬ *несов. что прост.* чақмоқ, тозаламоқ; **~ се́мечки** пистачка чақмоқ.

ЛУИДО́Р *м* луидор (Францияда: 20—25 франкли қадимги олтин танга).

ЛУК I *м* пиёз; **зелёный ~** кўк пиёз; **ре́пчатый ~** нўшпиёз; **голо́вка ~а** бир бош пиёз.

ЛУК II *м* камалак, ёй, камон; **стрельба́ из ~а** камондан ўқ узиш, камондан отиш; **туго́й ~** таранг ёй.

ЛУ́КА *ж, мн.* **лу́ки** 1 қайрилиш, муюлиш, бурилиш; **~ реки́** дарёнинг бурилган жойи (бурилиши); 2 эгар қоши (ёки орқаси).

ЛУКА́ВЕЦ *м, р.* **-вца** *разг.* ҳийлакор одам, айёр, қув; алдамчи, муғомбир, шайтон.

ЛУКА́ВИНК/А *ж разг.* андак қувлик, бир оз **айёрлик**; **с ~ой во взо́ре** кўз қарашида бир оз қувлик бор.

ЛУКА́ВИТЬ, -влю, -вишь *несов.* ҳийла ишлатмоқ, қувлик (муғомбирлик, айёрлик) қилмоқ.

ЛУКА́ВО *нареч.* маккорона, айёрона, айёрларча, қувлик билан; ✦ **не му́дрствуя ~** содда қилиб, фалсафа сотмай, дангал.

ЛУКА́ВОСТЬ *ж* ҳийлакорлик, айёрлик, қувлик, алдамчилик, муғомбирлик, шайтонлик.

ЛУКА́ВСТВО *с* 1 ҳийла, макр, шайтонлик; 2 ўйноқилик, шўхлик; қичқ, ноз, қарашма; **В глаза́х его́ мелькну́ло шутли́вое ~...** (Федин) Унинг кўзларида муғомбали ноз аломатлари пайдо бўлди.

ЛУКА́ВЫЙ, -ая, -ое 1 ҳийлакор, айёр, қув, муғомбир, алдамчи; шайтон; **~ челове́к** айёр (қув) одам. 2 шўх, ўй-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ноқи; қичиқ, **ноз-карашмали**; **~ взгля́д нозли қараш**; 2 *в знач. сущ.* **~ый** *м прост.* жин, ажина, шайтон; **~ый попу́тал** шайтон васваса қилди, шайтон йўлдан оздирди.

ЛУКОВИЦА *ж* 1 *бот.* пиёз, пиёзбош, илдизпоя; **~ гиаци́нта** сунбул пиёзи (илдизи); **~ тюльпа́на** лола пиёзи (илдизи); 2 бир бош пиёз, сўғон, саримсоқ; 3 *анат.* илдиз (баъзи органларнинг кенгайган илдиз қисми); **~ во́лоса** соч илдизи; 4 қуббали ён соат (чўнтак соатнинг қадимий тури); 5 черков гумбази, қуббаси.

ЛУКОВИЧНЫ́Й, -ая, -ое 1 пиёзли; пиёз...; **~е расте́ния** пиёзсимон (пиёзли) ўсимликлар; 2 *в знач. сущ.* **~е** *мн. бот.* пиёзли ўсимликлар; 3 гумбазли, қуббали.

ЛУКО́ВКА *ж, р. мн.* **-вок** 1 *уменьш. от* **лу́ковица** 1, 2; 2 *разг. то же, что* **лу́ковица** 4, 5.

ЛУКОВ/ЫЙ, -ая, -ое пиёзга оид; пиёз...; **~ое по́ле** пиёз экилган ер, пиёззор; **~ый за́пах** пиёз ҳиди; 2 пиёз солинган, пиёзли; серпиёз; **~ый суп** пиёзли (пиёз солинган) шўрва; ✦ **го́ре ~ое** *шутл.* тепса-тебранмас, имиллаган одам; беғам одам.

ЛУКОМО́РЬЕ *с уст.* кўрфаз, денгиз қўлтиғи.

ЛУКО́ШКО *с, р. мн.* **-шек** қўл сават, корзинка.

ЛУН/А *ж, мн.* **лу́ны** 1 ой; **~а́ взошла́** ой кўринди (чиқди); **полёт на Луну́** Ойга учиш; **серп ~ы́** янги ой, ярим ой, ҳилол; 2 *астр.* ой, планета йўлдоши; **де́вять ~ Сату́рна** Сатурннинг тўққизта йўлдоши; ✦ **под ~о́й** ерда; тупроқдан ташқари; **с ~ы́ свали́лся** осмондан тушган, ҳеч нарсадан бехабар (одам).

ЛУНА-ПАРК *м* луна-парк, ойдин боғ (революциядан илгариги Россияда: ҳар хил кўнгил очиш қурилмалари ва ўйин-кулгилар бўладиган парк; ҳозир: парк ва ҳ. к. да мураккаб аттракцион қурилма).

ЛУНАТИЗМ *м* лунатизм, сомнамбулизм, ойпарастлик (уйқусида уйғоқдек юраверш).

ЛУНА́ТИК *м* лунатик, ойпараст (лунатизм касалига мубтало бўлган, уйқусида уйғоқдек юраверадиган одам).

ЛУНАТИ́ЧЕСКИ/Й, -ая, -ое лунатизмга ва лунатикка оид; **~е больны́е** лунатизмга мубтало кишилар, ойпарастлар.

ЛУНАТИ́ЧКА *ж, р. мн.* **-чек** *см.* **луна́тик.**

ЛУНКА *ж, р. мн.* **-нок** 1 ўйиқ, чуқурча; 2 *анат.* уя, катак; **~ зу́ба** тиш катаги (уяси); 3 муздаги ўйиқ, тешик, уки (сув олиш, балиқ овлаш ва ҳ. к. учун).

ЛУ́НН/ЫЙ, -ая, -ое 1 ойга оид; ой...; **~ое затме́ние** ой тутилиши; **~ый год** сй (қамария) йили; **при ~ом све́те** ой нурида, ойдинда, 2 ойдин; **~ая ночь** ойдин кеча; ✦ **~ый ка́мень** ойтош (ним шаффоф, яшил товланадиган минерал).

ЛУНООБРА́ЗНЫЙ, -ая, -ое; -зен, -зна ойсимон, ойга (ярим ойга) ўхшаш; ҳилола

ЛУНОХО́Д *м* луноход (Ойга тушириладиган ўзиюрар автоматик аппарат).

ЛУНЬ *м* бўктарги (йиртқич қушларнинг бир тури); ✦ **седо́й как ~** оппоқ, қордай (пахтадай) оқ.

ЛУПА *ж* лупа, заррабин (катта қилиб кўрсатадиган икки томони қабариқ шиша).

ЛУПИ́ТЬ, луплю́, лу́пишь *несов.* 1 *что* шилмоқ, пўстини тозаламоқ, арчимоқ; **~ берёзу** қайиннинг пўстини шилмоқ; **~ яйцо́** тухумни тозаламоқ (арчимоқ); 2 *перен. кого-что* и *без доп.* қиммат нарх билан сотмоқ, пулламоқ, шилмоқ; **~втри́дорога** жуда (уч баравар) қиммат сотмоқ; 3 *кого-что прост.* урмоқ, саваламоқ, дўппосламоқ, калтакламоқ, пўстагини қоқмоқ; ✦ **~ глаза́** кўзларини чақчайтирмоқ, бақраймоқ.

ЛУПИ́Т/ЬСЯ, лу́пится *несов.* 1 шилинмоқ, арчилмоқ, пўст ташламоқ; шилиниб тушмоқ; **ко́жа ~ся** тери шилиниб тушяпти; 2 кўчиб тушмоқ; нурамоқ; **штукату́рка ~ся** сувоқ кўчиб тушяпти.

ЛУПОГЛА́ЗЫЙ, -ая, -ое *прост.* кўзлари чақчайган, олакўз, бақакўз, зоғчакўз, уккикўз.

ЛУПЦЕВА́ТЬ, -цу́ю, -цу́ешь *несов. кого-что прост.* дўппосламоқ, урмоқ, саваламоқ, калтакламоқ, пўстагини қоқмоқ.

ЛУ́Ч *м, р.* **-а́** 1 нур, шуъла, ёғду; **~ со́лнца** қуёш нури; **~и́ проже́ктора** прожектор нурлари; **испуска́ть ~** нур сочмоқ (таратмоқ); 2 *перен. чего* нишон, аломат, учқун; **~ наде́жды** умид учқуни; 3 *мн.* **~и́** *физ.* **нур(лар); рентге́новые ~и́** рентген нурлари; **радиоакти́вные ~и́** радиоактив нурлар; ✦ **расходи́ться ~а́ми** бир нуқтадан таралмоқ (чиқмоқ, кетмоқ); **от пло́щади ~а́ми расхо́дятся не́сколько у́лиц** майдондан бир неча кўча ҳар томонга қараб кетган.

ЛУЧЕВ/О́Й, -а́я, -о́е 1 нурга оид; нурли; нур...; **~а́я эне́ргия** нурли энергия; нурланиш (нур) энергияси; 2 бир нуқтадан таралган (чиққан, кетган), радиал; **~ы́е про́секи** бир нуқтадан таралган ўрмон йўллари; ✦ **~а́я кость** билак суяги; **~а́я боле́знь** нур касаллиги (радиоактив нур таъсирида юзага келадиган касаллик); **~а́я терапи́я** нур билан даволаш, нур терапияси.

ЛУЧЕЗА́РН/ЫЙ, -ая, -ое; -рен, -рна 1 нурга тўла; нурафшон, нурли; **~ый день** нурга тўла (нурли) кун; **~ое со́лнце** нурафшон қуёш; 2 *перен.* чақноқ, порлоқ, ёрқин; нур ёғилиб турадиган; **~ая красота́** нур ёғилиб турадиган гўзаллик; **~ое бу́дущее** порлоқ (ёрқин) келажак; **~ые о́чи** чақноқ кўзлар.

ЛУЧЕИСПУСКА́НИЕ *с* нур сочиш, нурланиш.

ЛУЧЕИСПУСКА́ТЕЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое нур сочадиган, нурланадиган; нурланиш...; **~ая спосо́бность те́ла** жисмнинг нур сочиш (нурланиш) қобилияти.

ЛУ́ЧЕОБРАЗНЫ/Й, -ая, -ое нурсимон, бир нуқтадан таралган (чиққан, кетган), радиал; **~е у́лицы** бир нуқтадан таралган (радиал) кўчалар.

ЛУЧЕПРЕЛОМЛЕ́НИЕ *с физ.* нурнинг синиши; нурни синдириш.

ЛУЧЕПРЕЛОМЛЯЕМОСТЬ *ж физ.* нур синдириш; нур синдириш қобилияти; **~ среды́** муҳитнинг нур синдириш қобилияти.

ЛУЧИ́Н/А *ж* 1 пайраҳа, тараша; тутантирик; **наколо́ть ~ы для самова́ра** самоварга тараша (ёки тутантирик) қилмоқ; 2 қорачироқ; пайраҳачирғ; **при све́те ~ы** қорачироқ (пайраҳачироқ) ёруғида.

ЛУЧИ́СТ/ЫЙ, -ая, -ое 1 нурли, шуълали, нур сочиб турадиган; нурафшон, ёрқин, ёруғ; **~ые звёзды** нурли (ёрқин) юлдузлар; 2 *перен.* ёниб (порлаб) турадиган, чақноқ, порлоқ (кўз ҳақида); **~ые глаза́** порлаб турадиган кўзлар; чақноқ кўзлар; 3 нурсимон, бир нуқтадан таралган (чиққан, кетган), радиал; **~ые морщи́нки** нурсимон (бир нуқтадан таралган) ажинлар; **~ые снежи́нки** нурсимон қор зарралари; 4 *физ.* нурланишга оид; нурли; нурланиш...; нур...; **~ая эне́ргия** нурланиш (нур) энергияси.

ЛУЧИ́ТЬ *несов. кого* машъала билан (шуъла тушириб) ов қилмоқ (балиқларни); **~ ры́бу** шуъла тушириб балиқ овламоқ.

ЛУЧИ́/ТЬСЯ, -и́тся *несов.* 1 шуъла тарқатмоқ, нур (ёғду) сочмоқ; 2 *перен.* чақнамоқ, порламоқ, чақнаб (порлаб) турмоқ (кўз ҳақида); **глаза́ же́нщины ~лись материнской ла́ской** аёлнинг кўзлари оналик меҳри билан чақнаб (порлаб) турарди; 3 (нурга ўхшаб) таралмоқ, тарқалмоқ; **у глаз ~лись то́нкие морщи́ны** кўз атрофидан майин ажинлар таралган.

ЛУЧКОВ/ЫЙ, -ая, -ое ёйсимон, камалаксимон; камалакли, ёйли; **~ая пила́** камалак(ли) дастарра.

ЛУ́ЧНИК *м* камончи, ёйандоз; ўқ-ёй (камон, камалак) отувчи; **во́ин-~** ёйандоз жангчи (сипоҳ); **соревнова́ние ~ов** ёйандозлар мусобақаси.

ЛУЧО́К I *м, р.* **-чка́** *муз.* камонча дастаси.

ЛУЧО́К II *м, р.* **-чка́** 1 *уменьш. от* **лук** II кичкина ўқ-ёй (камалак); камалакча; 2 ярим доира шаклидаги қуш тутадиган тўр.

ЛУЧО́К III *м, р.* **-чка́** и **-чку́** майда пиёз; тўғралган пиёз; **шашлы́к с лучко́м** пиёз сепилган кабоб.

ЛУЧШЕ 1 *см.* **хоро́ший** и **хорошо́; ~ чем...** ...дан кўра яхшироқ, ...га нисбатан афзалроқ; **~ по́здно, чем никогда́** *погов.* ҳечдан кўра кеч яхшироқ, ҳеч бўлмагандан кеч бўлгани яхши; 2 *безл. в знач. сказ. кому* яхши, тузук, дуруст; **ребёнку сего́дня гора́здо ~** боланинг соғлиги (аҳволи) бугун анча яхши; 3 *нареч.* яхшироқ, маъқулроқ, тузукроқ; **~не спра́шивай** яхшиси сўрама (сўрамай қўяқол); сўрамаганинг маъқул; 4 *в знач. вводн. сл.* яхшиси; маъқулроғи; **говори́, или, ~, я расскажу́** айт ёки яхшиси, ўзим айтақолай; ✦ **~ всего́** энг яхшиси (маъқули); **как нельзя́ ~** жуда яхши,

www.ziyouz.com kutubxonasi

кутилгандан ҳам яхши, кўнгилдагидек; **дела́ иду́т как нельзя́** ~ ишлар жуда яхши бормоқда (кетяпти).

ЛУЧШ/ИЙ, -ая, -ее 1 *см.* **хоро́ший** яхшироқ, яхши, сара, олди; ~ **его рабо́тника не найти́** бундан яхши ходим топилмайди; 2 *см.* **хоро́ший** энг яхши, аъло; ~**ий механиза́тор райо́на** райондаги энг яхши механизатор; ✦ **всего́ ~ его!** хайр; соғ бўлинг! **в ~ем ви́де** *разг.* аъло даражада, боплаб, рисоладагидек; **в ~ем слу́чае** жуда деганда; нари борса.

ЛУЩЕ́НИЕ *с по гл.* **лущи́ть; ~ кукуру́зы** маккажўхорини оқламоқ.

ЛУЩЁН/ЫЙ, -ая, -ое 1 пўсти (пўчоғи) олинган, арчилган, шилинган, тозаланган, оқланган; ~**ое зерно́** оқланган дон; ~**ый оре́х** чақиб тозаланган ёнғоқ; 2 *с.-х.* юмшатилган, юза (саёз) ҳайдалган; ~**ая по́чва** юза ҳайдалган ер.

ЛУЩИ́ЛЬНИК лушчильник (ерни юмшатадиган, юза ҳайдайдиган машина).

ЛУЩИ́ЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое 1 *с.-х.* юза (саёз) ҳайдайдиган, юмшатадиган; ~**ая маши́на** ерни юмшатадиган, юза (саёз) ҳайдайдиган машина; 2 шиладиган, тозалайдиган, оқлайдиган.

ЛУЩИ́ТЬ *несов. что* 1 арчимоқ, пўчоғини (пўстини) олмоқ, шилмоқ, тозаламоқ, оқламоқ; ~ **горо́х** нўхатнинг пўстини олмоқ; 2 чақмоқ; чақиб емоқ (писта, ёнғоқ ва ш. к. ни); 3 *с.-х.* юмшатмоқ; саёз (юза) ҳайдамоқ (ерни); ~ **стерню́** ангизни (экини ўриб олинган ерни) ҳайдамоқ.

ЛУЩИ́Т/ЬСЯ, -и́тся *несов.* 1 арчилмоқ, шилинмоқ; тозаланмоқ; **при спла́ве кора́ на брёвнах ~ся** сол оқизилганда (бир-бирига ишқаланишдан) ходаларнинг пўстлоғи шилиниб кетади; 2 *страд. от* **лущи́ть.**

ЛЫ́Ж/И *мн. (ед.* **лы́жа** *ж)* 1 чанғи; **ходи́ть на ~ах** чанғида юрмоқ (учмоқ); **охо́тничьи ~и** овчилар чанғиси; **во́дные ~и** сув чанғиси; 2 *разг.* чанғи спорти; **зимо́й осо́бенно поле́зны ~и, ле́том — пла́вание** қишда, айниқса, чанғи спорти, ёзда эса сузиш фойдалидир; ✦ **навостри́ть ~и** *прост.* жилмоқ, қочиб қолмоқ; қочишга тайёрланмоқ; қочишни мўлжалламоқ; **напра́вить ~и** *прост.* кетмоқ, йўл олмоқ.

ЛЫ́ЖНИК *м* чанғичи; **пробе́г ~ов** чанғичилар пойгаси; **отря́д ~ов** чанғичилар отряди.

ЛЫ́ЖНИЦА *ж* чанғичи аёл.

ЛЫ́ЖН/ЫЙ, -ая, -ое 1 чанғига оид; чанғи...; ~**ый спорт** чанғи спорти; ~**ая ста́нция** чанғи станцияси; 2 чанғичиларга оид; чанғичилар...; ~**ый костю́м** чанғичилар костюми; ~**ый отря́д** чанғичилар отряди.

ЛЫЖН/Я́ *ж* чанғи изи; чанғи йўли; **проложи́ть ~ю́** чанғида юриб из туширмоқ; чанғида йўл очмоқ.

ЛЫ́К/О *с* жўка ва баъзи бошқа дарахтларнинг пўстлоғи, чипта; ✦ **не вся́кое ~о в стро́ку** *погов.* қилдан қийиқ ахтарилавермайди; ҳар нарсани айбга қўшиб бўлмайди; ҳар қандай майда-чуйда хато айбга саналавермайди; **не ~ом шит** *прост.* чакана (одам) эмас; ~**а не вя́жет** *кто прост.* мастлигидан гапира олмайди, тили гапга келмайди, гапи қовушмайди; ичиб алжираб қолибди (қолган).

ЛЫ́КОВЫ/Й, -ая, -ое жўка пўстлоғидан (чиптадан) қилинган, тўқилган; чипта...; ~**е ла́пти** чиптаковуш.

ЛЫСЕ́ТЬ *несов.* сочлари тўкилмоқ, сочи тўкилиб сийқа (тоз, ялтироқ, кал) бўлиб қолмоқ.

ЛЫСИН/А *ж* 1 сийқа, сочи тўкилган жой, ялтироқ (кал) жой; тоз, кал; 2 қашқа (ҳайвонларда); **телёнок с ~ой** қашқа (қашқаси бор) бузоқ.

ЛЫСУ́Н *м, р.* **-а́** лисун (Гренландия тюлени).

ЛЫСУ́ХА *ж зоол.* қашқалдоқ (қуш).

ЛЫС/ЫЙ, -ая, -ое 1 сочи йўқ, сочи тўкилган, сийқа, ялтироқ, тоз, кал; ~**ая голова́** сийқа (ялтироқ) бош; 2 сийқабош, ялтирбош, тоз; ~**ый мужчи́на** сийқабош киши; 3 *перен.* тақир, қоқ, ўсимлик ўсмаган; ~**ые го́ры** тақир тоғлар; ✦ **чёрта** (или **бе́са**) ~**ого** *прост.* ҳеч қачон, сира, асло, икки дунёда ҳам.

ЛЫ́ЧКИ *мн., р.* **-чек** *(ед.* **лы́чко** *с)* личка, кўндаланг тасма (погонда); **ефре́йторские ~** ефрейторлик личкалари (ефрейторлик погонининг тасмалари).

ЛЬ *см.* **ли.**

ЛЬВЁНОК *м, р.* **-нка,** *мн.* **львя́та** арслон (шер) боласи.

ЛЬВИ́Н/ЫЙ, -ая, -ое 1 арслонга (шерга) оид; арслон..., шер...; ~**ая гри́ва** арслон ёли; 2 *перен.* шерсифат, шердай, арслондай; ~**ая си́ла** шердай куч; ~**ая велича́вость** шердай важоҳат; ✦ ~**ый зев** *бот.* итоғиз; ~**ая до́ля** *см.* **до́ля.**

ЛЬВИ́ЦА *ж* 1 урғочи шер (арслон); 2 *перен. уст.* и *ирон.* эркакларнинг жони, офатижон, жон офати.

ЛЬГО́Т/А *ж* имтиёз, енгиллик; **предоста́вить ~ы** имтиёз бермоқ; **по́льзоваться ~ами** имтиёзлардан фойдаланмоқ.

ЛЬГО́ТНЫ/Й, -ая, -ое; -тен, -тна имтиёзли, имтиёзи бор; енгил; ~**й биле́т** имтиёзли билет; **на ~х усло́виях** енгил шартлар билан.

ЛЬДИ́НА *ж* катта муз парчаси.

ЛЬДИ́Н/КА *ж, р. мн.* **-нок** кичкина муз парчаси, бир парча (бўлак) муз; **в стака́не воды́ искри́лись ~ки** стакандаги сувда муз парчалари ялтираб кўринарди.

ЛЬДИ́СТЫ/Й, -ая, -ое музли, муз билан қопланган; ~**е верши́ны гор** тоғнинг музли чўққилари.

ЛЬЁ *с нескл.* льё (Францияда: 4,5 км га тенг қадимги узунлик ўлчови).

ЛЬНОВО́Д *м* зиғиркор, зиғиркорлик мутахассиси.

ЛЬНОВО́ДСТВО *с* зиғиркорлик.

ЛЬНОВО́ДЧЕСК/ИЙ, -ая, -ое зиғиркорликка оид; зиғиркорлик...; зиғиркор...; ~**ий райо́н** зиғиркорлик райони; ~**ое хозя́йство** зиғиркорлик хўжалиги.

ЛЬНОВОЛОКНО́ *с спец.* зиғир толаси.

ЛЬНОЗАГОТОВИ́ТЕЛЬНЫЙ, -ая, -ое зиғир тайёрланадиган; зиғир тайёрлаш...; ~ **пункт** зиғир тайёрлаш пункти.

ЛЬНОПРЯДИ́ЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое зиғирпоя толасини йигирадиган; ~**ая маши́на** зиғирпоя толасини йигирадиган машина.

ЛЬНУ/ТЬ *несов. к кому-чему* 1 ёпишмоқ, илашмоқ; тегиб (ёпишиб) турмоқ; **опа́вшие ли́стья ~т к нога́м** тўкилган барглар оёқларга илашади; **глиноби́тные ма́занки ~ли друг к дру́гу** пахса уйлар бир-бирига ёпишиб турарди; 2 эркаланиб қучоғига (пинжига) кирмоқ, суркалмоқ; ~**ть к ма́тери** она қучоғига (онасининг пинжига) кирмоқ; 3 *перен. разг.* ўзини урмоқ, суркалмоқ, ўралашмоқ, ёпишмоқ, интилмоқ; ~**ть к дохо́дному ме́сту** даромадли жойга интилмоқ; ёғли жойга ўзини урмоқ.

ЛЬНЯ́НКА *ж, р. мн.* **-нок** *бот.* зиғирак (декоратив ўсимлик).

ЛЬНЯН/О́Й, -а́я, -о́е 1 зиғирга оид; зиғир...; ~**о́е ма́сло** зиғир ёғ, зиғир мой; ~**о́е по́ле** зиғир майдони, зиғир экилган жой; ~**о́е се́мя** зиғир уруғи; 2 зиғир толасидан тўқилган; ~**а́я ткань** зиғир толасидан тўқилган мато; 3 зиғир ранг, зиғирдек майин (соч ҳақида).

ЛЬСТЕ́Ц *ж, р.* **-а́** хушомадгўй одам, лаганбардор, тилёғламачи, ялтоқ.

ЛЬСТИ́ВО *нареч.* хушомадгўйлик (тилёғламалик) билан; хушомад қилиб, ялтоқланиб; ~ **улыба́ться** хушомад билан илжаймоқ.

ЛЬСТИ́ВОСТЬ *ж* хушомадгўйлик, лаганбардорлик, тилёғламалик; хушомад; ~ **ре́чи** гапнинг тилёғламалиги (хушомадлилиги).

ЛЬСТИ́В/ЫЙ, -ая, -ое хушомадгўй, лаганбардор, ялтоқ; тилёғлама; ~**ый челове́к** хушомадгўй (тилёғлама) одам; ~**ые слова́** тилёғлама сўз (гап), хушомадли сўзлар.

ЛЬСТИТЬ, льщу, льстишь *несов.* 1 *кому и без* [illegible] хушомад (лаганбардорлик) қилмоқ, тилёғламалик [illegible] ялтоқланмоқ; 2 *кому-чему* ёқмоқ, хуш келмоқ, [illegible] моқ; **успе́хи льстя́т самолю́бию** муваффақиятлар [illegible] сига ёқади; ✦ ~ **себя́ наде́ждой** умидвор бўлиб [illegible] салли бермоқ, умид боғлаб ўзини-ўзи хурсанд [illegible]

ЛЬСТИ́ТЬСЯ, льщусь, льсти́шься *несов.* [illegible] қизиқмоқ, ҳавас қилмоқ, учмоқ, берилмоқ; ~ **на де́ньги** пулга учмоқ; 2 умид қилмоқ, ишонмоқ; ✦ ~ **наде́ждой** [illegible] *же, что* **льсти́ть себя́ наде́ждой** *см.* **льстить.**

ЛЮБ, люба́, лю́бо *в знач. сказ. разг.* [illegible] ладиг; ~ **он мне** у менга ёқади; мен уни [illegible] ~**о — не слу́шай!** ёқмаса тинглама!

ЛЮБВЕОБИ́ЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое; -лен, -льна [illegible] ҳаббати қайнаб турган; ҳадеб (ҳар кимни) севаверадиган

www.ziyouz.com kutubxonasi

сермуҳаббат; **~ое се́рдце** ишқ-муҳаббати қайнаб турган юрак; сермуҳаббат юрак (киши).

ЛЮБЕЗНИЧАТЬ *несов. с кем разг.* навозиш қилмоқ; эркаламоқ, суймоқ, сипоришламоқ, ширин (ёқадиган) гаплар гапирмоқ.

ЛЮБЕ́ЗНО *нареч.* илтифот билан, назокат (мулойимлик) билан, лутфан, **~ уступи́ть ме́сто ста́ршему** илтифот билан ўзидан катта одамга жой бермоқ.

ЛЮБЕ́ЗНОСТЬ *ж* **1** навозиш, назокат, хушмуомалалик, илтифот, марҳамат; **2** *мн.* **~и** ширин (ёқимли) гаплар; хушомад гаплар; **наговори́ть ~ей** ширин гапларни гапириб ташламоқ.

ЛЮБЕ́ЗН/ЫЙ, -ая, -ое; -зен, -зна 1 илтифотли; назокатли, хушмуомала, ширин сўз; **~ый челове́к** хушмуомала одам; **2** *уст.* и *разг.* муҳтарам, ҳурматли, қадрли, азиз; **~ый друг** қадрли дўст; **3** *в знач. сущ.* **~ый** *м*; **~ая** *ж уст.* севикли, суюкли; маъшуқ; маъшуқа; **✦ бу́дьте ~ы** марҳамат қилинг, барака топинг, марҳаматингизни (хизматингизни) аяманг; агар хизмат бўлмаса.

ЛЮБИ́МЕЦ *м, р.* **-мца** энг яхши кўрилган (ҳамма севган) одам, севгили, арзанда; **~ пу́блики** халқ яхши кўрадиган киши; **о́бщий ~** ҳамма яхши кўрган (кўрадиган) одам.

ЛЮБИ́МИЦА *ж см.* **люби́мец.**

ЛЮБИ́МЧИК *м разг.* эркатой, арзанда; **~ ма́тери** онасининг арзандаси.

ЛЮБИ́М/ЫЙ, -ая, -ое 1 *прич. от* **люби́ть; 2** *в знач. прил.* севикли, севилган, севган, муҳаббат (меҳр) қўйилган, ишқи тушган; **~ая де́вушка** севикли (севилган) қиз; **3** *в знач. сущ.* **~ый** *м* севгили ер, маҳбуб, ошиқ; **~ая** *ж* севгили, маҳбуба, маъшуқа; **свида́ние с ~ой** севгилиси билан учрашув; **4** *в знач. прил.* энг яхши (хуш) кўрилган, энг ёқтирган (ёқадиган); **его́ ~ая кни́га** унинг энг яхши кўрган китоби; **~ое моё блю́до** менинг энг яхши кўрган овқатим; **✦ наступи́ть на ~ую мозо́ль** *см.* **мозо́ль.**

ЛЮБИ́ТЕЛЬ *м чего и с неопр.* ишқивоз, ўч; ҳаваскор, шинаванда; **~ му́зыки** музикага ишқивоз; музика шинавандаси; **~ пое́сть** овқат шинавандаси; **шофёр-~** ҳаваскор шофёр.

ЛЮБИ́ТЕЛЬНИЦА *ж см.* **люби́тель.**

ЛЮБИ́ТЕЛЬСК/ИЙ, -ая, -ое ҳаваскорларга (ишқивозларга) оид, хос, қарашли; ҳаваскор(лар)...; **~ие го́луби** ишқивоз(ларнинг) каптарлари; 2 ҳаваскорларга ва ҳаваскорликка оид; ҳаваскорлар ижросидаги; **~ий спекта́кль** ҳаваскорлар спектакли; **~ий кружо́к** ҳаваскорлар тўгараги.

ЛЮБИ́ТЕЛЬСТВО *с* ҳаваскорлик, ишқивозлик.

ЛЮБИ́ТЬ, люблю́, лю́бишь *несов.* **1** *кого-что* севмоқ, яхши кўрмоқ, меҳр қўймоқ, муҳаббат боғламоқ, ишқи тушмоқ; **~ ро́дину** ватанни севмоқ; **~ дете́й** болаларни яхши кўрмоқ; **серде́чно ~** чин қалбдан севмоқ; **2** *что* и *с неопр.* хуш кўрмоқ, яхши кўрмоқ, ёқтирмоқ; **он лю́бит охо́титься** у овни (ов қилишни) яхши кўради; **~ поря́док** тартибни (саранжом-саришталикни) яхши кўрмоқ; **~ лесть** мақтовни яхши кўрмоқ; **3** *что* ўч бўлмоқ, талаб қилмоқ; ёқтирмоқ; **цветы́ лю́бят во́ду** гуллар сувни ёқтиради; **кни́ги не лю́бят сы́рости** китоблар намдан қўрқади (қуруқ жойда сақлашни талаб қилади).

ЛЮБИ́Т/ЬСЯ, люблю́сь, лю́бишься *несов.* **1** *прост.* севишмоқ, бир-бирини севмоқ, ўзаро муҳаббат боғламоқ; **2** *безл.* севги ҳиссига (қобилиятига) эга бўлмоқ, сева олмоқ, сева билмоқ; **люби́, поку́да ~ся** севинг бор экан, сев; қанча сева олсанг, сев.

ЛЮБО *безл. в знач. сказ. с неопр. разг.* ёқади, хуш келади, кўнгилли, ҳузурли, ҳузур бағишлайди; **~ посмотре́ть** қарасанг кўз қувонади, қараган сари, қарагинг келади; қараб тўймайсан; **~ послу́шать** эшитсанг, қулоққа ёқади, эшитган сари эшитгинг келади; эшитиб ҳузур қиласан (тўймайсан).

ЛЮБОВА́НИЕ *с по гл* **любова́ться; ~ приро́дой** табиатдан завқланиш.

ЛЮБОВА́ТЬСЯ, -бу́юсь, -бу́ешься *несов. кем-чем* завқ (ҳавас) билан қарамоқ, қараб завқланмоқ, томоша қилиб лаззат (баҳра) олмоқ; **~ детьми** болаларга қараб завқланмоқ; **~ мо́рем** денгизни томоша қилиб завқланмоқ, завқ билан денгизни томоша қилмоқ.

ЛЮБО́ВНИК *м* **1** *чей или кого* ўйнаш, жазман; **2** *уст.* ошиқ, маъшуқ, маҳбуб; **3** *мн.* **~и** *уст.* ошиқ-маъшуқлар, севишганлар; **✦ пе́рвый ~** *уст.* биринчи ошиқ (спектаклда асосий ишқий ролда ўйновчи артист).

ЛЮБО́ВНИЦА *ж* **1** ўйнаш (жазман) хотин; **2** *уст.* маъшуқа, маҳбуба, ёр.

ЛЮБО́ВНО *нареч.* муҳаббат (меҳр, кўнгил) қўйиб, севиб, ардоқлаб, сидқидилдан; **~ оберега́ть ста́рость роди́телей** кекса ота-оналарга меҳр билан қарамоқ, кекса ота-оналарни ардоқламоқ.

ЛЮБО́ВН/ЫЙ, -ая, -ое 1 ишқ-муҳаббатга оид; ишқий, ошиқона; ишқ...; **~ое письмо́** ишқий мактуб; **~ые пе́сни** ишқий қўшиқлар; **~ая исто́рия** ишқ-муҳаббат можароси, ишқий саргузашт; **~ый взгляд** ошиқона қараш; **2** меҳр-муҳаббат билан тўлиб тошган, муҳаббат (меҳр, кўнгил) қўйиб қилинган, сидқидилдан бўлган, ардоқли, меҳрибон; **~ое отноше́ние к де́лу** ишга сидқидилдан (меҳр билан) қараш; **3** *уст.* муҳаббат туйғуларини қўзғатадиган, севгини оширадиган; **~ый напи́ток** севги (муҳаббат) шарбати.

ЛЮБО́ВЬ *ж, р.* **-бви́ 1** севги, муҳаббат, севиш, меҳр; **~ к ро́дине** ватанга муҳаббат, ватанни севиш; **материнская ~** она (оналик) меҳри; **завоева́ть о́бщую ~** ҳамманинг меҳрини қозонмоқ; **с любо́вью** меҳр-муҳаббат қўйиб, севиб, сидқидилдан; **2** ишқ, севги, муҳаббат, севиб қолиш; **жени́тьба по любви́** севиб қолиб уйланиш; **пе́рвая ~** биринчи муҳаббат; **3** муҳаббат ҳиссини уйғотган киши, севгили, ёр; **моя́ ~** севгилим, ёрим; **4** қизиқиш, майл, ҳавас, иштиёқ, севиш; **~ к иску́сству** санъатга (бўлган) қизиқиш, санъатни севиш.

ЛЮБОЗНАТЕЛЬНОСТЬ *ж* билишга (билимга) интилиш, қизиқувчанлик, ҳар нарсага қизиқиб қараш.

ЛЮБОЗНАТЕЛЬНЫЙ, -ая, -ое; -лен, -льна билишга (билимга) интилувчи, қизиқувчан, ҳар нарсага **қизиқиб қ**аровчи; **~ ребёнок** қизиқувчан (ҳар нарсага қизиқадиган) бола; **~ ум** қизиқувчан ақл-идрок, ҳар нарсага қизиқиб қарайдиган одам.

ЛЮБ/О́Й, -а́я, -о́е 1 ҳар қандай, ҳар қанақа, ҳар бир; **~о́й челове́к** ҳар бир киши, ҳар ким; **~а́я мать забо́тится о своём ребёнке** ҳар қандай (ҳар бир) она ўз фарзандини ўйлайди; **2** *в знач. сущ.* **~о́й** *м*, **~а́я** *ж* ҳар қандай (ҳар қанақа) одам, ҳар бир одам; **~о́й из нас мо́жет э́то сде́лать** ҳар қайсимиз буни қилишимиз мумкин; **3** хоҳлаган, истаган, исталган; **в ~о́е вре́мя** истаган (исталган) вақтда, хоҳлаган маҳалда; **~о́й цено́й** ҳар қандай қилиб бўлса-да, қандай бўлмасин.

ЛЮБОПЫТНО 1 *нареч* синчковлик билан, қизиқиб; **2** *безл. в знач. сказ.* қизиқарли; қизиқ, ажиб; **мне ~ знать, о чём ты ду́маешь** сен нима ўйлаётганингни билиш мен учун жуда қизиқ, сен нималарни ўйлаётганинг мени қизиқтиряпти.

ЛЮБОПЫТН/ЫЙ, -ая, -ое; -тен, -тна 1 синчков, ҳар нарсани билишга интилувчи, қизиқувчи, ҳар нарсага қизиқиб қарайдиган, суриштираверадиган; **~ый челове́к** синчков (ҳар нарсага қизиқувчи) одам; **~ый взгляд** қизиқиб қараш, синчковлик билан боқиш; **2** *в знач. сущ.* **~ый** *м*; **~ая** *ж* текин (бекорчи) томошабин; синчков одам; **толпа́ ~ых** текин томошабинлар; **3** қизиқ, ажиб, ғалати, шоёндиққат; **~ый слу́чай** қизиқ ҳодиса.

ЛЮБОПЫТСТВО *с* **1** синчковлик, ҳар нарсани билишга интилиш, қизиқувчанлик; **удовлетвори́ть** *чьё-л.* **~** бировнинг саволларига жавоб бериб (ҳавасини қондирмоқ) кўнглини тинчитмоқ; **проявля́ть ~** синчковлик қилмоқ; **2** қизиқиш, қизиқсиниш; **пра́здное ~** керак (даҳли) бўлса-бўлмаса қизиқаверишш.

ЛЮБОПЫТСТВОВАТЬ *несов.* синчковлик қилмоқ, ҳар нарсани билишга интилмоқ, уринмоқ, ҳар нарсага қизиқавермоқ, қизиқсинмоқ, ҳадеб суриштиравермоқ.

ЛЮБЯЩ/ИЙ, -ая, -ее 1 *прич. от* **люби́ть; 2** *в знач. прил.* меҳрибон, меҳрли, севувчи, яхши кўрувчи; **~ая мать** меҳрибон она; **~ий взгляд** меҳрли (меҳр билан) қараш.

ЛЮД *м собир. разг* **1** одамлар, халқ, халойиқ; **2** *какой* аҳл; **рабо́чий ~** ишчилар аҳли, меҳнаткаш халқ; **делово́й ~** корчалонлар аҳли, корчалонлар.

ЛЮД/И *мн., р.* **люде́й**, *дат.* **лю́дям**, *твор.* **людьми́**, *предл.* **о лю́дях 1** *ед.* **челове́к** *м* кишилар, одамлар, инсон-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лар; **сове́тские ~и** совет кишилари; **~и до́брой во́ли** яхши ниятли кишилар; **молоды́е ~и** ёш одамлар, ёшлар, йигит-яланглар; **как говоря́т ~и** одамларнинг айтишича; 2 *чего* или *какие* аҳл, аҳллар; **~и нау́ки** фан аҳллари; **~и труда́** меҳнат аҳли, меҳнаткашлар; 3 *разг.* бошқалар, ўзгалар, бировлар, бошқа одамлар; **при ~ях** бошқалар (одамлар) олдида; 4 кадрлар, одам, иш кучи; **колхо́зу нужны́ ~и** колхозга одамлар керак; 5 *воен.* жонли куч, аскарлар; **поте́ри в ~ях и те́хнике** жонли куч ва техника талафоти; 6 *уст.* хизматкорлар, қароллар, малайлар; ✦ **бы́вшие ~и** 1) одамгарчиликдан чиққан (инсон қиёфасини йўқотган) одамлар; 2) собиқ бойлар, муштумзўрлар, эксплуататорлар; **идти́ в ~и** *уст.* халқ орасига кирмоқ; халқ орасида юрмоқ; **выводи́ть в ~и** *кого* одам қилмоқ, одам қаторига қўшмоқ; **вы́йти в ~и** одам бўлмоқ, одам қаторига қўшилмоқ; **жить в ~ях** *уст.* ҳар кимникида хизматкор бўлиб юрмоқ, бировларнинг эшигида яшамоқ.

ЛЮДНО 1 *нареч.* одамлар билан тўла, гавжум; 2 *безл. в знач. сказ.* одам кўп, гавжум; **на пло́щади ~** майдонда одам кўп, майдон гавжум.

ЛЮДНОСТЬ *ж* сераҳолилик, гавжумлик.

ЛЮДН/ЫЙ, -ая, -ое, -ден, -дна 1 сераҳоли, аҳолиси кўп (зич); **~ый го́род** сераҳоли шаҳар, аҳолиси кўп (обод) шаҳар; 2 серодам, одам кўп тўпланадиган, гавжум; **~ое ме́сто** одам кўп тўпланадиган (гавжум) жой; **~ое со́брище** одам кўп тўпланган (бўлган) йиғилиш (мажлис).

ЛЮДОЕ́Д *м* 1 одамхўр; 2 одамхўр, қонхўр, ёвуз; **фаши́стские ~ы** фашист қонхўрлар, қонхўр фашистлар; 3 ялмоғиз (эртакларда).

ЛЮДОЕ́ДСКИЙ, -ая, -ое одамхўрларга оид, хос; одамхўр(лар)...

ЛЮДОЕ́ДСТВО *с* одамхўрлик.

ЛЮДСК/О́Й, -а́я, -о́е одамларга (одамзодга) оид; одам...; инсон...; одамий; инсоний; **род ~о́й** одамзод, башарият; **~и́е стра́сти** одамзод (инсон) эҳтиролари, инсоний эҳтиролар; 2 *уст.* хизматкорларга оид, хос; хизматкорлар учун белгиланган; 3 *в знач. сущ.* **~а́я** *ж* хизматкорлар (қароллар) хонаси, қаролхона.

ЛЮИЗИ́Т *м* люизит (заҳарли модда); **пораже́ние ~ом** люизитдан заҳарланиш.

ЛЮК *м* люк, қопқоқли туйнук, тешик; **маши́нный ~** машина люки; **бо́мбовый ~** бомба ташланадиган люк (самолётда); **светово́й ~** нур тушадиган тешик (танкда).

ЛЮКС I *м физ.* люкс (ёритилганлик даражасининг ўлчов бирлиги).

ЛЮКС II *м* люкс (юқори классли магазин, меҳмонхона, вагон ва ш. к. ни ифодаловчи номлар таркибида қўлланади; мас., **ваго́н-~, ка́юта-~** ва ҳ. к.).

ЛЮЛИ и **ЛЮЛИ** *межд. нар.-поэт.* қўшиқларнинг нақаротида ишлатиладиган сўз.

ЛЮЛЬКА I *ж, р. мн.* **-лек** 1 беланчак, осма беланчак; 2 осма (кўтарма) кажава; **~ штукату́ра** сувақчининг кўтарма кажаваси.

ЛЮЛЬКА II *ж, р. мн.* **-лек** *обл.* тамаки солиб чекиладиган трубка.

ЛЮМБА́ГО *с нескл. мед.* люмбаго, белоғриқ, бел санчиғи.

ЛЮМЕН *м физ.* люмен (нур оқимининг ўлчов бирлиги).

ЛЮМИНА́Л *м фарм.* люминал (уйқу келтирадиган ва тинчлантирадиган дори сифатида ишлатиладиган модда).

ЛЮМИНЕСЦЕ́НТ/ЫЙ, -ая, -ое *физ.* люминесценцияга оид; люминесценцияга асосланган; люминесценция...; **~ое освеще́ние** люминесценцияга асосланган ёритиш.

ЛЮМИНЕСЦЕ́НЦИЯ *ж* люминесценция, люминесценцияланиш (газ, суюқлик ёки қаттиқ жисмнинг совуқ ҳолда нур сочиши, нурланиши).

ЛЮМИНЕСЦИ́РОВАТЬ *несов. спец.* люминесценцияланмоқ (совуқ ҳолда нур сочмоқ, нурланмоқ).

ЛЮМПЕ́Н-ПРОЛЕТАРИА́Т *м* люмпен-пролетариат (капиталистик жамиятда: синфий қиёфасини йўқотган аҳоли табақаси — саёқлар, ялангоёқлар, қашшоқлар).

ЛЮНЕ́Т *м* люнет (1 *воен. уст.* очиқ дала истеҳкоми; 2 *архит.* арка остидаги эшик ёки дераза ўрни; 3 *тех.* станокларда узун нарсаларни тутиб турадиган мослама).

ЛЮПИ́Н *м* люпин, бўрилуккак (ўтсимон ўсимлик).

ЛЮПИ́НОВ/ЫЙ, -ая, -ое люпинга, бўрилуккакка оид; люпин...; бўрилуккак...; **~ые посе́вы** люпин экилган ерлар; **~ая мука́** люпин уни.

ЛЮПУС *м мед.* люпус (тери силининг бир тури).

ЛЮСТРА *ж* люстра, қандил, чилчироқ.

ЛЮСТРИ́Н *м уст.* люстрин (жундан ёки жун аралаштириб тўқилган ялтироқ мато).

ЛЮСТРИ́НОВЫЙ, -ая, -ое люстриндан тикилган; люстрин...; **~ пиджа́к** люстрин пиджак.

ЛЮТЕРА́НИН *м. мн.* **-ра́не** лютеранлар мазҳабидаги киши, лютеран; *см.* **лютера́нство.**

ЛЮТЕРА́НКА *ж, р. мн.* **-нок** *см.* **лютера́нин.**

ЛЮТЕРА́НСК/ИЙ, -ая, -ое лютеранларга ва лютеранликка оид; лютеранлар...; **~ая це́рковь** лютеранлар черкови.

ЛЮТЕРА́НСТВО *с* лютеранлик, лютеранлар мазҳаби (христиан динида асосий протестантлик йўналишлардан бири).

ЛЮТИК *м* айиқтовон (заҳарли ўт).

ЛЮТИКО́ВЫ/Й, -ая, -ое 1 айиқтовонга оид; айиқтовон...; **~й сте́бель** айиқтовон пояси; 2 *в знач. сущ.* **~е** *мн. бот.* айиқтовонгуллилар.

ЛЮТНЕ́В/ЫЙ, -ая, -ое удга оид; удда чалинадиган; **~ая му́зыка** удда чалинадиган музика.

ЛЮТНИ́СТ *м* удчи, уд чалувчи.

ЛЮТНЯ *ж, р. мн.* **-тен** уд (қадимги музика асбобларидан бирининг номи).

ЛЮТОВА́ТЬ, -тую́, -ту́ешь *несов. прост.* 1 қутурмоқ, ёвузлик (ваҳшийлик) қилмоқ, йиртқичларча (**ваҳшиёна, бешафқат**) иш тутмоқ; **лютуе́т враг** душман қутурмоқда; 2 *перен.* кучаймоқ, авжига чиқмоқ, қаҳрига (ғазабига) олмоқ; **лютую́т моро́зы** совуқ авжига чиқди (олянти).

ЛЮТ/ЫЙ, -ая, -ое 1 йиртқич, ваҳший; **~ый зверь** йиртқич ҳайвон; 2 ёвуз, қонхўр, баттол, қаҳри қаттиқ; **~ый враг** ёвуз душман; 3 *перен.* ваҳшиёна, қаттиқ, шафқатсиз; **~ое сраже́ние** ваҳшиёна уруш; қаттиқ жанг; 4 *перен.* шиддатли, қаттиқ, оғир, ашаддий, чидаб бўлмайдиган; **~ый моро́з** қаттиқ совуқ, қаҳратон; **~ое го́ре** оғир мусибат.

ЛЮФА́ *ж* 1 дастмолқовоқ; 2 дастмолқовоқ мочалкаси (сочиғи).

ЛЮФТ *м тех.* люфт (машина қисмлари ўртасидаги жуда тор оралиқ); **~ рулево́го колеса́** руль чамбарининг люфти; **допусти́мый ~** жоиз люфт.

ЛЮЦЕ́РНА *ж* йўнғичқа; беда.

ЛЮЦЕ́РНОВ/ЫЙ, -ая, -ое йўнғичқага оид; йўнғичқа...; **~ое се́но** йўнғичқа пичани; қуруқ йўнғичқа; **~ое по́ле** йўнғичқазор, бедазор, бедапоя.

ЛЮЭС *м* сифилис, захм.

ЛЮЭТИ́ЧЕСК/ИЙ, -ая, -ое *прил. от* **лю́эс** сифилис (захм)га оид; люэтик; сифилис..., захм...; **~ая сы́пь** люэтик тошма, захм тошмаси; **~ий больно́й** захмга йўлиққан бемор, захм.

ЛЯ *с нескл. муз.* ля (музика гаммасининг олтинчи товуши ва шу товушни ифодаловчи нота).

ЛЯГА́ТЬ *несов. кого-что* (*сов.* **лягну́ть**) 1 тепмоқ; тепиб олмоқ (ҳайвонлар ҳақида); 2 *перен.* тил тегизмоқ, қопиб олмоқ.

ЛЯГА́ТЬСЯ *несов.* 1 тепмоқ, тепиб олмоқ; тепагон бўлмоқ; **ло́шадь ляга́ется** от тепади (тепағон); 2 тепишмоқ, бир-бирини тепмоқ (ҳайвонлар ҳақида); 3 *прост.* тепинмоқ, депсинмоқ, тепмоқ.

ЛЯГНУ́ТЬ *сов. однокр. см.* **ляга́ть.**

ЛЯГУША́ТНИК *м* 1 тирик бақалар сақланадиган махсус идиш; 2 *разг.* болалар чўмиладиган ҳовузча.

ЛЯГУША́ЧИЙ и **ЛЯГУ́ШЕЧИЙ, -ья, -ье** бақага оид; бақа...; **~ье ква́канье** бақанинг қуриллаши (сайраши).

ЛЯГУШИ́НЫЙ, -ая, -ое *разг. то же, что* **лягуша́чий.**

ЛЯГУ́ШКА *ж, р. мн.* **-шек** бака.

ЛЯГУШО́НОК *м, р.* **-нка, *мн.*** **-ша́та** бақача, бақа боласи.

ЛЯД: на кой ляд *груб. прост.* нима кераги бор!; бошимга ураманми!

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЛЯДУ́НКА *ж, р. мн.* **-нок** ўқдон (кавалеристларда: елкага осиладиган ўқдон).

ЛЯЖКА *ж, мн.* **-жек** *разг.* сон.

ЛЯЗГ *м* жиринглаш, жаранглаш, жаранг-журунг, жингир-жингир; ~ **цепе́й** занжирларнинг жиринглаши (жангир-жунгури).

ЛЯЗГАТЬ *несов. см.* **ля́згнуть.**

ЛЯЗГНУ/ТЬ *сов.* (*несов.* **ля́згать**) 1 *чем* жаранглатмоқ, жиринглатмоқ, шилдиратмоқ, ғижирлатмоқ; ~**ть цепя́ми** занжирларни шалдиратмоқ; 2 *без. доп.* жаранглаган овоз чиқармоқ, жарангламоқ, жиринглламоқ, ғижирламоқ, шарақламоқ; ~**ли тормоза́** тормозлар ғижирлаб кетди.

ЛЯМК/А *ж, р. мн.* **-мок** 1 тасма, қайиш, арқон (юк кўтариш ёки тортиш учун); **бурла́цкая** ~**а** бурлоқлар арқони; 2 лямка, елка тасма (кийимда); ~**а сарафа́на** сарафан лямкаси (елка тасмаси); ✦ **тяну́ть** (или **тере́ть**) ~**у** машаққатли (оғир) иш қилмоқ, оғир ишдан боши чиқмаслик.

ЛЯП I *межд.:* **тя́п-~** *см.* **тяп.**

ЛЯП II *м разг.* хато, янглиш; **испра́вить ~ы в ру́кописи** қўлёзмадаги хатоларни тузатмоқ.

ЛЯПАТЬ *несов. что* 1 *см.* **ля́пнуть**; 2 *что прост.* наридан-бери (пала-партиш, қўл учида) иш қилмоқ; бўлар-бўлмас ясаб ташламоқ.

ЛЯПИС *м* ляпис, кумуш нитрат.

ЛЯПИС-ЛАЗУ́РЬ *ж то же, что* **лазури́т.**

ЛЯПНУТЬ *сов.* (*несов.* **ля́пать**) *прост.* 1 *что* ўйламасдан гапирмоқ, ўринсиз (ноўрин) гап қилмоқ, оғизга келганини айтмоқ; ~ **глу́пость** аҳмоқона гап қилмоқ; 2 *кого* бир урмоқ, тарсаки (мушт) туширмоқ; солиб қолмоқ; ~ **оби́дчика** хафа қилган одамга тарсаки қўймоқ (бир мушт туширмоқ).

ЛЯПСУС *м книжн.* дағал (қўпол) хато, янглиш, саҳв.

ЛЯРД *м* лярд (эритилган чўчқа ёғи).

ЛЯСЫ: точи́ть ~ *прост.* гап (сафсата) сотмоқ, бемаъни гапларни гапирмоқ, валақламоқ.

ЛЯХ *м см.* **ля́хи.**

ЛЯХИ *мн. (ед.* **лях** *м,* **ля́шка** *ж*) 1 *уст.* поляклар; 2 ляхлар (Силезиянинг бир қисми ва Моравиянинг шимолишарқида яшайдиган чехларнинг бир неча этнографик группалари номи).

ЛЯШКА *ж, р.* **-шек** *см.* **ля́хи.**

М

МАВЗОЛЕ́Й *м* мавзолей; мақбара; ~ **Ле́нина** Ленин мавзолейи.

МАВР *м* мавр; *см.* **ма́вры.**

МАВРИТА́НКА *ж, р. мн.* **-нок** мавританка, мавр аёл; *см.* **ма́вры.**

МАВРИТА́НСКИ/Й, -ая, -ое Мавританияга ва мавр-ларга оид; Мавритания...; Мавритан...; мавр(лар)...; ~**е племена́** маврлар қабилалари; ~**й стиль в архитекту́ре** архитектурада мавритан услуби.

МА́ВРСКИЙ, -ая, -ое *уст.* маврларга оид; мавр(лар).

МА́ВРЫ *мн. (ед.* **мавр** *м,* **маврита́нка** *ж*) маврлар (қадимги ва ўрта асрларда Мавритания, ҳозир Мавритания Ислом Республикаси деб аталган, шимоли-ғарбий Африкада жойлашган мамлакат халқи).

МА́Г *м* 1 коҳин (маъжусийлар руҳонийси); 2 сеҳргар, жодугар, афсунгар; ✦ ~ **и волше́бник** *шутл.* ҳар ишга чечан одам; устаси фаранг.

МАГАЗИ́Н *м* 1 магазин; **продукто́вый** ~ озиқ-овқат магазини; **промтова́рный** ~ саноат моллари магазини; ~ **гото́вого пла́тья** тайёр кийимлар магазини; 2 *уст.* магазин, склад, омбор; **артиллери́йский** ~ артиллерия склади; 3 *тех.* магазин, қути; ~ **сопротивле́ний** қаршиликлар магазини (қутиси); 4 *спец.* магазин, ўқдон; ~ **винто́вки** винтовка магазини; **ди́сковый** ~ дисксимон (диск шаклидаги) магазин.

МАГАЗИ́НН/ЫЙ, -ая, -ое 1 **магази́н** 1, 2 га оид; магазин...; ~**ая вы́веска** магазин вивескаси; 2 *спец.* магазинли; ~**ая винто́вка** магазинли винтовка; ~**ая коро́бка** *то же, что* **магази́н винто́вки;** *см.* **магази́н** 4.

МАГАРАДЖА *м* маҳарож, буюк рожа (Ҳиндистонда князларнинг олий унвони ва шундай унвонли киши).

МАГАРЫЧ *м, р.* **-а́** *прост.* 1 ширинкома тариқасидаги зиёфат; ширинкома; бойғоза; **поста́вить** ~ ширинкома тариқасида зиёфат қилмоқ; 2 пора тариқасидаги зиёфат, пора.

МАГИ́СТЕРСК/ИЙ, -ая, -ое *ист. прил. от* **маги́стр** 2 магистрларга оид; магистр...; магистрлар....; ~**ая ма́нтия** магистр(лар) ридоси; ~**ий ти́тул** магистр унвони.

МАГИ́СТЕРСК/ИЙ, -ая, -ое *прил. от* **маги́стр** 1 магистрга оид; магистрлик...; ~**ая диссерта́ция** магистрлик диссертацияси.

МАГИ́СТР *м* 1 магистр (революциядан олдинги Россияда ва баъзи чет эл мамлакатларида: илмий даража ва шу даражага эга бўлган киши); ~ **филосо́фии** философия магистри; 2 *ист.* магистр, пир (ўрта асрларда руҳоний рицарлар жамоасининг бошлиғи).

МАГИСТРА́Л/Ь *ж* 1 магистраль (катта, асосий қатнов йўли); **железнодоро́жная** ~**ь** темир йўл магистрали; **во́дные** ~**и** асосий сув йўллари; 2 магистраль, серқатнов, катта кўча; **но́вые** ~**и го́рода** шаҳарнинг янги магистраллари, янги катта кўчалари; 3 магистраль, асосий тармоқ; **га́зовая** ~**ь** газ магистрали, асосий газ тармоғи; **проложи́ть водопрово́дную** ~**ь** водопровод магистрали қурмоқ.

МАГИСТРА́ЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое магистраль, энг катта, асосий, бош; ~**ый кана́л** бош канал; ~**ый ка́бель** магистрал кабель; ~**ое направле́ние** *перен.* асосий йўналиш, бош йўналиш.

МАГИСТРА́Т *м* магистрат (баъзи мамлакатларда шаҳар бошқармаси).

МАГИСТРА́ТУРА *ж собир.* магистратура (баъзи буржуа мамлакатларида судья номи ва суд органлари).

МАГИ́ЧЕСКИ/Й, -ая, -ое 1 сеҳрли, сеҳргарларга хос бўлган, сеҳргарликда қўлланиладиган; сеҳргарлик...; ~**е приёмы** сеҳргарлик амаллари; 2 *перен.* сеҳрли, мўъжизали, фусункор; **произвести́** ~**е де́йствия** мўъжизали таъсир қилмоқ.

МА́ГИЯ *ж* 1 сеҳр, жоду, афсун; сеҳргарлик, жодугарлик; афсунгарлик; 2 *перен. чего* сеҳрли куч; ~ **ли́рики Пу́шкина** Пушкин лирикасининг сеҳрли кучи; ✦ **чёрная** ~ сеҳргарлик, жоду, амал; **бе́лая** ~ дуохонлик; дуо.

МА́ГМА *ж геол.* магма (Ер қаъридаги чўғсимон суюқ модда).

МАГМАТИ́ЧЕСК/ИЙ, -ая, -ое *геол.* магматик; ~**ие поро́ды** магматик жинслар (магмалардан ҳосил бўлган жинслар); ~**ое состоя́ние поро́ды** жинсларнинг магматик (суюқ) ҳолати.

МАГНА́ЛИЙ *м спец.* магналий (магний билан алюминий қотишмаси).

МА́ГНАТ *м* магнат (йирик феодал ёки капиталист); **нефтяно́й** ~ нефть магнати, йирик нефть саноатчиси; **фина́нсовый** ~ молия магнати; ~**ы капита́ла** капитал магнатлари, катта капиталистлар.

МАГНЕЗИ́Т *м* магнезит (ўтга чидамли тоғ жинси).

МАГНЕ́ЗИЯ *ж* магнезия (магний оксиди, енгил порошок модда).

МАГНЕ́ТИЗМ *м* 1 магнетизм (магнит ҳодисалари ва хоссалари); **земно́й** ~ ер магнетизми; 2 *перен.* кишини ўзига тортувчи куч, жозиба; 2 *уст.* гипноз.

МАГНЕТИ́Т *м* магнетит, магнит темиртош (магнит хусусиятига эга бўлган темир рудаси).

МАГНЕТИ́ЧЕСК/ИЙ, -ая, -ое 1 магнетизм 1, 2 га оид. магнетик; магнетизм...; ~**ие явле́ния** магнетизм ҳодисалари; 2 *уст.* сеҳрли, мўъжизали; **гипно́тик; облада́ть ~ой си́лой** сеҳрли кучга (таъсирга) эга бўлмоқ.

МАГНЕ́ТО *с нескл.* магнето (двигателларда электр учқуни ҳосил қиладиган асбоб).

МАГНИЕ́В/ЫЙ, -ая, -ое магнийли; магний...; ~**ые ру́ды** магний рудалари; ~**ая вспы́шка** магний чақнаши.

www.ziyouz.com kutubxonasi

МАГНИЙ *м* магний (химиявий элемент, кумуш ранг юмшоқ металл).

МАГНИТ *м* 1 магнит; миқнотис (*эск.*); оҳанрабо (*эск.*); **искýсственный** ~ сунъий магнит; **полюса́** ~**а** магнит қутблари; 2 *перен.* жозибали нарса (ёки одам, жой ва ш. к.).

МАГНИ́ТИТЬ, -и́чу, -и́тишь *несов. что* магнитламоқ; ~ **стре́лку ко́мпаса** компас стрелкасини магнитламоқ.

МАГНИ́ТН/ЫЙ, -ая, -ое 1 магнитга оид; магнит...; ~**ая си́ла** магнит кучи; ~**ые сво́йства** магнит хоссалари; 2 магнит хусусиятларига эга бўлган, магнитли; магнит...; ~**ая стре́лка** магнит стрелкаси; ~**ые тела́** магнитли (магнит хусусиятларига эга бўлган) жисмлар; 3 магнетизм ҳодисаси билан боғланган. магнит...; ~**ая аномáлия** магнит аномалияси; ~**ая бýря** магнит бўрони; ✦ ~**ое наклоне́ние** *физ.* магнит (стрелкасининг) энкайиши.

МАГНИТО́ЛА *ж* магнитола.

МАГНИТОФО́Н *м* магнитофон.

МАГНИТОФО́ННЫЙ, -ая, -ое 1 магнитофонга оид: магнитофон...; ~**ая кассе́та** магнитофон кассетаси; 2 магнитофон ёрдамида ёзиб олинган; ~**ая за́пись** магнитофон ёрдамида ёзиб олинган ёзув (нутқ, овоз, қўшиқ ва ш. к.).

МАГНОЛИЕВ/ЫЙ, -ая, -ое 1 магнолияга оид; магнолия...; 2 магнолия гулидан олинган; магнолия...; ~**ое ма́сло** магнолия мойи; 3 *в знач. сущ.* ~**ые** *мн. бот.* магнолиягуллилар.

МАГНО́ЛИЯ *ж* магнолия (йирик хушбўй гулли доим яшил дарахт ёки бута).

МАГОМЕТА́НИН *м. мн.* **-а́не** мусулмон.

МАГОМЕТА́НКА *ж, р. мн.* **-нок** мусулмон аёл, муслима.

МАГОМЕТА́НСТВО *с* мусулмон дини; ислом дини; ислом.

МАГОМЕТА́НСК/ИЙ, -ая, -ое мусулмон динига ва мусулмонларга оид; мусулмон...; ~**ая ве́ра** мусулмон дини.

МАДА́М *ж нескл.* 1 мадам, хоним (Франция ва баъзи бошқа мамлакатларда: эрли хотинларга мурожаат формаси); 2 *разг. уст.* мадам (Октябрь инқилобидан илгариги Россияда: боёнлар оиласидаги чет эллик мураббия).

МАДАПОЛА́М *м* мадаполам, оқ сурп.

МАДЕМУАЗЕ́ЛЬ *ж нескл.* 1 мадемуазель (эрга тегмаган аёлларга, қизларга мурожаат формаси); 2 *разг. уст. то же, что* **мада́м** 2.

МАДЕ́РА *ж* мадера (вино тури).

МАДО́ННА *ж* мадонна (католикларда Биби Марям номи).

МАДРИГА́Л *м* мадригал (қисқа ишқий шеър).

МАДЬЯ́Р *м*, мадьяр, мажор, венгер.

МАДЬЯ́РКА *ж, р. мн.* **-рок** мадьяр (мажор, венгер) аёл.

МАДЬЯ́РСКИЙ, -ая, -ое мадьярларга (мажорларга, венгерларга) оид; мадьяр...; мажор...; венгер...; ~ **язы́к** мадьяр (мажор, венгер) тили.

МАДЬЯ́РЫ *мн.* (*ед.* **мадья́р** *м*, **мадья́рка** *ж*) мадьярлар, мажорлар, венгерлар.

МАЁВКА *ж, р. мн.* **-вок** 1 маёвка (Октябрь инқилобидан илгари Россияда: ишчиларнинг 1 Майда ўтказиладиган яширин йиғини); 2 маёвка, баҳор сайли.

МАЕТА́ *ж прост.* ҳолдан тойдирадиган, оғир иш.

МАЖО́Р *м* 1 *муз.* мажор (кўтаринки, шодиёна руҳдаги мусиқий соз тури); *ср.* **мино́р**; 2 *перен. разг.* кўтаринки руҳ; яхши кайфият, кайфи чоғлик; **быть в** ~**е** кайфи чоғ бўлмоқ.

МАЖО́РДОМ *м* хизматкорлар оғаси.

МАЖО́РН/ЫЙ, -ая, -ое; -рен, -рна 1 *муз.* мажор...; ~**ая га́мма** мажор гамма; 2 *перен. разг.* кўтаринки, баланд.

МА́ЗАНКА *ж, р. мн.* **-нок** лойсувоқ уй, пахса уй.

МА́ЗАН/ЫЙ, -ая, -ое 1 *разг.* кир босган, ифлос, кир; ~**ое пла́тье** кир кўйлак; 2 кесак девор ёки пахсадан қурилган; ~**ая ха́та** кесак девор ёки пахса уй.

МА́ЗАТЬ I, ма́жу, ма́жешь *несов.* 1 (*сов.* **намáзать, помáзать, мазну́ть**) *кого-что* суркамоқ, суртмоқ; сувамоқ; бўямоқ; ~ **сте́ны кра́ской** деворларга бўёқ суртмоқ; деворларни бўямоқ; ~ **гли́ной кры́шу** том сувамоқ; ~ **хлеб ма́слом** нонга мой суртмоқ; ~ **гу́бы** лабларни бўямоқ; 2 (*сов.* **замáзать, измáзать, мазну́ть**) *кого-что* суркаб кир қилмоқ, кир юқтирмоқ, кирга беламоқ; ~ **гря́зными рука́ми ска́терть** ифлос қўлларни уриб, дастурхонни кир қилмоқ; 3 (*сов.* **намáзать**) *что* нўноқ ишламоқ, ёмон-жумон қилиб чизмоқ (сурат ва ш. к. ни); ✦ **одни́м ми́ром ма́заны** *см.* **ми́ро.**

МА́ЗАТЬ II, ма́жу, ма́жешь *несов.* (*сов.* **промáзать**) *из чего* и *без доп.* янглишмоқ, хато қилмоқ; хато кетказмоқ; ~ **из ружья́** ўқни хато кетказмоқ.

МА́ЗАТЬСЯ, ма́жусь, ма́жешься *несов.* 1 юқмоқ, юқиб кир (ифлос) қилмоқ, унниқмоқ; **не прислоня́йся к стене́, ма́жется** деворга суянма, юқади; 2 (*сов.* **вымáзаться, замáзаться** и **измáзаться**) *без доп.* кир олмоқ, кир (ифлос, доғ) бўлмоқ, кирланмоқ; **све́тлое пла́тье бы́стро ма́жется** ранги очиқ кўйлак тез кир бўлади; 3 (*сов.* **намáзаться** и **помáзаться**) ўзига, бирор ерига упа-элик суртмоқ, бўянмоқ, пардоз-андоз қилмоқ; ~ **вазели́ном** (ўзига, бирор ерига) вазелин суртмоқ; **она́ о́чень ма́жется** у (аёл) жуда ҳам бўяниб (пардоз-андоз қилиб) юради; 4 *страд. от* **ма́зать** I, 1.

МАЗИ́ЛА I *м* и *ж прост.* 1 кир, ифлос одам, исқирт; 2 нўноқ рассом.

МАЗИ́ЛА II *м* и *ж прост.* нўноқ ўйинчи; ўқни хато кетказувчи овчи ва ҳ. к.

МА́ЗКИ/Й, -ая, -ое; -зок, -зка́, -зко *прост.* ранги (кири) юқадиган, рангини, кирини юқтирадиган; ~**е сте́ны** ранги юқадиган деворлар.

МАЗНУ́ТЬ *сов. однокр.* 1 *см.* **ма́зать** I, 1, 2; 2 *кого прост.* бир урмоқ, туширмоқ, солмоқ, қўйиб қолмоқ; ~ **по лицу́** юзига бир туширмоқ.

МА́ЗНЯ *ж разг.* нўноқ расм, ёмон-жумон ишланган сурат.

МАЗО́К I *м, р.* **-зка́** 1 *жив.* мўйқалам тортиб бўёқ бериш; шу йўсинда берилган бўёқ; **писа́ть широ́кими мазка́ми** кенг-кенг бўёқ бериб расм ишламоқ; 2 *мед.* мазок (анализ учун олиб ойнага суртилган юпқа қатлам); **взять** ~ мазок олмоқ.

МАЗО́К II *м, р.* **-зка́** *прост.* хато кетказиш, янглишиш; хато (мас., ўйинда, ўқ отишда).

МАЗУ́РИК *м прост.* ўғри; муттаҳам, фирибгар, қаллоб.

МАЗУ́РК/А *ж* мазурка (полякча рақс ва шу рақс музикаси); **танцева́ть** ~**у** мазурка рақсига тушмоқ; ~**а Шопе́на** Шопен мазуркаси.

МАЗУ́РОЧНЫЙ, -ая, -ое мазурка...; ~ **моти́в** мазурка куйи.

МАЗУ́Т *м* мазут (нефть қолдиғи).

МАЗУ́ТНЫЙ, -ая, -ое мазутдан олинган; мазут...

МАЗЬ *ж* 1 мазь, малҳам дори; **ци́нковая** ~ рух малҳами; 2 мой; **сапо́жная** ~ этик мойи; **лы́жная** ~ чанғи мойи; **колёсная** ~ арава мойи; ✦ **на мазя́** *прост.* жойида; **де́ло на мазя́** иш жойида.

МАЙС *м то же, что* **кукуру́за.**

МАЙСОВ/ЫЙ, -ая, -ое *то же, что* **кукуру́зный;** ~**ое по́ле** жўхоризор; ~**ые лепёшки** зоғора нон; зоғора.

МАЙ *м* май; **Пе́рвое ма́я** Биринчи май.

МАЙДА́Н *м* 1 майдон, бозор жой; 2 *археол.* гўрте́па.

МА́ЙКА *ж, р. мн.* **ма́ек** майка; ~ **трикота́жная** трикотаж майка.

МА́ЙНА *межд.* майна, пасайтир (такелажчилар, юк ортувчилар тилида); *ср.* **ви́ра.**

МАЙОЛИК/А *ж* майолика (сирланган гулдор сопол ва шундай сопол идишлар); **вы́ставка** ~ майолика кўргазмаси.

МАЙОЛИКОВ/ЫЙ, -ая, -ое майолика...; сирланган гулдор сопол...; ~**ое блю́до** сирланган гулдор сопол товоқ; ~**ые изде́лия** сирланган гулдор сопол буюмлар.

МАЙОНЕ́З *м* майонез; **запра́вить сала́т** ~**ом** салатга майонез солмоқ.

МАЙО́Р *м* майор.

МАЙОРА́Т *м* майорат (1 феодализмдан қолган ворислик тартиби; бунга кўра ер-мулкка энг катта ўғил ёки энг катта қариндош ворис бўла олади; 2 шу тартибда мерос бўлиб қолган ёки қоладиган ер).

МАЙО́РСК/ИЙ, -ая, -ое майорга оид; майор...; майорлик...; ~**ое зва́ние** майорлик унвони.

МАЙСК/ИЙ, -ая, -ое 1 май ойига оид, май ойида бўлган (ёки бўладиган), май...; ~**ое со́лнце** май қуёши; ~**ая**

www.ziyouz.com kutubxonasi

пого́да май об-ҳавоси; **2** биринчи май **байрамига** оид; биринчи май байрамидаги, май байрами...; **~ая демонстра́ция** май байрами намойиши.

МА́ЙЯ *ж* майя (ҳарир газмол тури).

МАК *м* **1** кўкнор; **кра́сный ~** (или **~-самосе́йка**) лолақизғалдоқ; **2** *собир.* кўкнор уруғи; **пирожки́ с ма́ком** кўкнор уруғи солинган пирожкилар; **посы́пать ма́ком** кўкнор уруғи сепмоқ (мас., нонга).

МАКА́КА *ж* макака (итсимон маймун).

МАКАРОНИ́ЗМ *м лит.* макаронизм (нутқда ўринсиз ишлатилган чет сўз ёки ибора).

МАКАРО́ННИК *м* макарон запеканка (макарондан печда қизартириб пиширилган овқат).

МАКАРО́НН/ЫЙ, -ая, -ое 1 макаронга оид; **макаро́н...; ~ая фа́брика** макарон фабрикаси; **~ые изде́лия** макарон, вермишель ва ш. к. маҳсулотлар; **2** макаронли, макарондан қилинган; макарон...; **~ый суп** макарон шўрва.

МАКАРО́НЫ *мн.* макарон.

МАКА́ТЬ *несов. что* **1** (*сов.* **макну́ть**) ботирмоқ, ивитмоқ, ботириб олмоқ; **~ перо́ в черни́ла** перони сиёҳга ботириб олмоқ; **2** *тех.* ботириб олиш йўли билан ясамоқ (мас., гугурт, шам ва ш. к. ни).

МАКЕДО́НЕЦ *м, р.* **-нца** македониялик, македон; *см.* **македо́нцы.**

МАКЕДО́НКА *ж, р. мн* **-нок** македониялик аёл, македонка; *см.* **македо́нцы.**

МАКЕДО́НСКИЙ, -ая, -ое Македонияга ва македонларга оид; македонча; Македония...; македон(лар)...

МАКЕДО́НЦЫ *мн. (ед.* **македо́нец** *м,* **македо́нка** *ж)* македонияликлар, македонлар (жанубий славянларга мансуб, Югославия ва Грециянинг Македония ўлкасида яшовчи халқ).

МАКЕ́Т *м* макет (нарсаларнинг кичрайтиб ясалган модели, намунаси, нусхаси); **~ зда́ния** бинонинг макети; **~ театра́льной постано́вки** театр постановкасининг макети; **~ кни́ги** китобнинг макети.

МАКИНТО́Ш *м* макинтош.

МАКЛА́К *м, р.* **-а́** *уст.* **1** чакана даллол; **2** эскифуруш, эски-туски олиб сотувчи.

МАКЛА́ЧИТЬ *несов. уст.* **1** чакана даллоллик қилмоқ; **2** эскифурушлик қилмоқ, эски-туски олиб сотмоқ.

МАКЛЕР *м* даллол; **биржево́й ~** биржа даллоли.

МАКЛЕ́РСКИЙ, -ая, -ое даллол(лар)га ва даллолчиликка оид; даллол...; даллоллик...

МАКЛЕ́РСТВО *с* даллоллик, даллолчилик.

МАКЛЕ́РСТВОВАТЬ *несов.* даллоллик (даллолчилик) қилмоқ.

МАКНУ́ТЬ *сов. однокр. см.* **мака́ть** 1.

МАКО́В: как ~ цвет юзи гулгун, икки юзи қип-қизил анордек.

МАКО́ВКА I *ж, р. мн.* **-вок 1** *бот.* кўкнор косаси; **2** *разг.* кўкнор уруғи сепилган кулча нон; **3** *разг.* кўкнор уруғидан қилинган конфет.

МАКО́ВКА II *ж, р. мн.* **-вок** гумбаз.

МАКО́ВКА III *ж, р. мн.* **-вок** *разг. то же, что* **маку́шка** 2.

МАКО́В/ЫЙ, -ая, -ое 1 кўкнор ўсимлигига оид; **~ые планта́ции** кўкнорзорлар; **~ое се́мя** кўкнор уруғи; **2** кўкнор уруғидан олинган; **~ое ма́сло** кўкнор (уруғи) мойи; **3** кўкнор уруғи солинган; **~ пря́ник** кўкнор уруғи солинган пряник; **4** *в знач. сущ.* **~ые** *мн. бот.* кўкноргуллилар; ✦ **~ой роси́нки во рту не́ было** туз тотгани(м) йўқ.

МАКРЕ́ЛЬ *ж то же, что* **скумбрия.**

МАКРОКЛИ́МАТ *м* макроиқлим (ер юзининг катта бўлаги иқлими).

МАКРОКО́СМ *м* макрокосм, космос, коинот, олам.

МАКРОСКОПИ́ЧЕСКИ/Й, -ая, -ое макроскопик (кўз билан кўриб бўладиган, йирик); **~е проце́ссы** макроскопик процесслар.

МАКСИМАЛИ́ЗМ *м* максимализм (ҳаддан, имкониятдан ташқари талаблар қўйиш).

МАКСИМАЛИ́СТ *м* максималист, максимализм тарафдори.

МАКСИМА́ЛЬНО *нареч.* максимал (юқори) даражада; ортиғи (кўпи) билан, кўп деганда; имкон борича, мумкин қадар.

МАКСИМА́ЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое максимал, энг кўп; энг катта; энг юқори; **~ая ско́рость** энг катта тезлик; **~ый тари́ф** энг юқори тариф; **~ое напряже́ние сил** бор кучни ишга солиш; бор куч билан ҳаракат қилиш; **~ая нагру́зка ваго́на** вагонга ортилиши мумкин бўлган энг кўп юк; вагонга имкон борича кўп юк ортиш.

МАКСИМУМ *м* **1** максимум (энг катта қиймат, энг кўп миқдор, энг юқори даража ва ш. к.); **~ зна́ний** энг юқори билим даражаси; **приложи́ть ~ эне́ргии** имкон борича ғайрат кўрсатмоқ; **2** *в знач. нареч. то же, что* **максима́льно; сто́ит ~ 50 рубле́й** ортиғи билан 50 сўм туради; **3** *в знач. нареч. разг.* зўр бериб, бор кучни ишга солиб; **выполня́ть зада́ние на ~е** бор кучни ишга солиб топшириқни бажармоқ; **4** *в знач. неизм. прил. то же, что* **максима́льный; план-~** максимум-план; **програ́мма-~** программа-максимум (программанинг энг сўнгги, туб мақсадларни ўз ичига олган қисми).

МА́КСИ-ЮБКА *ж* макси-юбка, узун юбка.

МАКУЛАТУ́РА *ж* **1** *полигр.* макулатура (чиқинди, қийқим-сийқим қоғоз); **2** *перен.* бемаъни (сийқа, бўлмағур) асарлар.

МАКУЛАТУ́РНЫ/Й, -ая, -ое 1 чиқинди, қийқим-сийқим; **~е листы́** чиқинди (қийқим-сийқим) қоғозлар; **2** *перен.* бемаъни, сийқа, бўлмағур; **~й рома́н** бемаъни, ғоявий-бадиий савияси паст роман.

МАКУШЕ́ЧНЫЙ, -ая, -ое учидаги, чўққисидаги; учида (чўққисида) жойлашган; **~ побе́г у де́рева** дарахт учидаги новда.

МАКУ́ШК/А *ж, р. мн.* **-шек 1** уч, тепа, чўққи; **~а де́рева** дарахтнинг учи; **2** калланинг, бошнинг қоқ учи, ўртаси, тепаси; **тюбете́йка на ~е** дўпписи бошининг қоқ учида турипти; ✦ **у́шки на ~е** *у кого* бўри қулоғи овда; қулоғи динг.

МАЛА́ГА *ж* малага (узум виносининг бир тури).

МАЛА́ЕЦ *м, р.* **-а́йца** малайлик; *см* **мала́йцы.**

МАЛА́ЙКА *ж, р. мн* **-а́ек** малайлик аёл; *см.* **мала́йцы.**

МАЛА́ЙЦЫ *мн. (ед.* **мала́ец** *м,* **мала́йка** *ж)* малайликлар, Малайя оролларида яшовчи элат ва қабилалар.

МАЛА́ЙСКИЙ, -ая, -ое Малайя оролларига ва малайликларга оид; Малайя...; малайликлар...; **~ язы́к** малайликлар тили.

МАЛА́НЬИН: как на Мала́ньину сва́дьбу (нагото́вить) *прост. шутл.* жуда кўп тайёрламоқ, пиширмоқ.

МАЛАХА́Й *м* **1** қулоқчин, телпак, тумоқ; **2** *уст.* кенг кафтан.

МАЛАХИ́Т *м* малахит (яшил рангли тош); **кольцо́ с ~ом** малахит кўзли узук.

МАЛАХИ́ТОВ/ЫЙ, -ая, -ое 1 малахитга оид; малахитдан қилинган; малахит...; **~ая шкату́лка** малахит қутича; **~ые се́рьги** малахит кўзли зирак; **2** ям-яшил, яшил ранг.

МАЛЕВА́ТЬ, -лю́, -лю́ешь *несов. кого-что* и *без доп. разг.* бўямоқ, бўёқ бермоқ, бўёқ билан ишламоқ (расмни); **не так стра́шен чёрт, как его́ малю́ют** *погов.* шайтон одамлар айтганидек даҳшатли эмас, унинг қўрқинчли жойи йўқ.

МАЛЕ́ЙШ/ИЙ, -ая, -ее *см.* **ма́лый; не име́ю ни ~его представле́ния об э́том** бу ҳақда заррача хабарим йўқ; **~ее отступле́ние от но́рмы** нормадан заррача (салгина) чекиниш.

МАЛЁК *м, р.* **-лька́** эндигина тухумдан чиққан балиқ, баликча.

МАЛЕНЬК/ИЙ, -ая, -ое 1 кичкина, кичиккина, жажжи; **~ий до́м** кичкина уй; **~ие ру́чки** жажжи қўллар; **2** кичкина, пастак, пастбўй; **~ая же́нщина** кичкина хотин; **3** кичкина, сони кам; **~ий отря́д** кичкина отряд; **4** кичкина, арзимаган, арзимас, шунчаки, андак, қиттак; **~ая неприя́тность** андак кўнгилсизлик; **5** майда, кичкина, ёш; **~ие де́ти** кичкина болалар, ёш болалар; **6** *в знач. сущ.* **~ий** *м;* **~ая** *ж разг.* ёш бола, чақалоқ, гўдак; ✦ **по ~ой игра́ть** *карт,* оз-оздан тикиб ўйнамоқ; **по ~ой** (выпить, пропусти́ть и т. п.) қиттак-қиттак ичмоқ; **моё (твоё и т. д.) де́ло ~ое**

www.ziyouz.com kutubxonasi

бу менинг ишим (сенинг ишинг) эмас; бунинг менга (сенга) дахли йўқ.

МАЛЕ́НЬКО *нареч. прост.* андак, жиндак, бир оз; **подожди́** ~ бир оз сабр қил.

МАЛЕ́Ц *м, р.* **-льца́** *прост.* ўспирин, йигитча.

МАЛИ́ЕЦ *м, р.* **-и́йца** мали *см.* **малийцы.**

МАЛИ́ЙКА *ж, р. мн.* **-и́ек** мали аёл; *см.* **малийцы.**

МАЛИ́ЙЦЫ *мн. (ед.* **малиец** *м,* **малийка** *ж)* Мали республикасининг халқи.

МАЛИ́Н/А *ж* 1 малина, хўжағат (ўсимлиги ва меваси); **кра́сная** ~**а** қизил малина; **собира́ть** ~**у** малина термоқ; 2 малина қайнатмаси; **вы́пить** ~**ы** машина қайнатиб ичмоқ; ✦ **не жизнь, а** ~**а** турмушмисан, турмуш.

МАЛИ́ННИК *м* малиназор, хўжағатзор.

МАЛИ́НОВКА *ж, р. мн.* **-вок** малиновка (чумчуқсимонларга мансуб сайроқи қуш).

МАЛИ́НОВ/ЫЙ, -ая, -ое 1 малинага оид; малинадан тайёрланган; малина...; ~**ый куст** малина тўпи; ~**ое варе́нье** малина мураббоси; 2 тўқ қизил, малина ранг; ~**ое сукно́** тўқ қизил мовут; ✦ ~**ый звон** жаранглама, ёқимли овоз.

МАЛИ́ЦА *ж* малица (авра-астари буғи терисидан қилинган капюшон (қалпоқ)ли пўстин).

МА́ЛО *нареч.* 1 оз, кам; **он** ~ **ест** у оз овқат ейди; у кўп овқат емайди; 2 *в знач. сказ.* оз, кам, етарли эмас, озлик қилади, етмайди, кифоя қилмайди; **э́того** ~ бу оз; бу озлик қилади (етмайди); **ра́зве э́того** ~**?** бу озми?; бу етмайдими, камлик қиладими?; ~ **обеща́ть, на́до выполня́ть свои́ обеща́ния** ваъданинг ўзи кифоя қилмайди, уни бажариш ҳам керак; **трёх дней бу́дет** ~ уч кун етмайди (камлик қилади); 3 *в знач. числ.* оз, кам, етарли эмас; ~ **де́нег** пул оз; ~ **книг** китоблар етарли эмас; 4 олмошлар ва равишлар билан турли бирикмалар таркибида ишлатилади; ~ **кто смо́жет э́то сде́лать** бу ишни қила оладиган (бу ишқўлидан келадиган) одамлар кўп эмас; бу ишни ҳамма ҳам қила олмайди; ҳамма ҳам бу ишнинг уддасидан чиқа олмайди; ~ **ли что** нима бўпти; **нималар бўлмайди дейсиз;** ~**ли что с челове́ком мо́жет случи́ться** одамнинг бошидан нималар ўтмайди дейсиз; одамнинг бошига не-не савдолар тушмайди; ~ **ли что говоря́т** одамлар айтаверади-да; ~**ли чего́ он захо́чет!** унинг кўнгли нималарни хоҳламайди денсиз; **он** ~ **где быва́ет** у кўп жойларга бормайди, кам юради; **я** ~**что смогу́ доба́вить** мен яна нима ҳам деяр эдим; ✦ **ма́ло-ма́ло** 1) *обл.* сал бўлмаса, нақ бўлмаса; сал қолди; 2) ***прост.*** кам деганда, энг ками; ~~ **ты́сячу наберётся** энг ками мингта келади; **и го́ря** ~ шунинг ташвиши тушиб қолибдими.

МАЛОВА́ЖНЫЙ, -ая, -ое; -жен, -жна унча аҳамияти йўқ, арзимаган, анчайин; ~ **факт** унча аҳамияти йўқ факт.

МАЛОВА́Т, -а, -о *разг.* кичикроқ, чоғроқ; **костю́м мне** ~ костюм менга кичикроқ; ~ **ро́стом** бўйи пастроқ.

МАЛОВЕ́Р *м* қатъий ишончи, қавли йўқ одам, ишонмовчи, қавлсиз.

МАЛОВЕ́РИЕ *с* қатъий ишончи, қавли йўқлик, ишонмовчилик, қавлсизлик; **проявля́ть** ~ қавлсизлик қилмоқ.

МАЛОВЕ́РКА *ж, р. мн.* **-рок** *см.* **маловер.**

МАЛОВЕ́РНЫЙ, -ая, -ое; -рен, -рна қатъий ишончи, қавли йўқ, ишонмовчи, қавлсиз.

МАЛОВЕРОЯ́ТНЫ/Й, -ая, -ое; -тен, -тна эҳтимолдан узоқ, унча ишониб бўлмайдиган, даргумон; ~**е слу́хи** унча ишониб бўлмайдиган гаплар.

МАЛОВО́ДН/ЫЙ, -ая, -ое; -ден, -дна 1 суви кам; камсув; ~**ая река́** суви кам дарё; 2 суви етишмайдиган, сув тақчил, суви кам; ~**ая степь** сув тақчил чўл.

МАЛОВО́ДЬЕ *с* 1 сувнинг камлиги, камайиши, пасайиши; саёзлик (дарёларда); 2 сувнинг етишмаслиги, тақчиллиги.

МАЛОВРАЗУМИ́ТЕЛЬНЫЙ, -ая, -ое; -лен, -льна яхши тушуниб бўлмайдиган, ноаниқ, мужмал; ~ **отве́т** ноаниқ жавоб.

МАЛОГАБАРИТН/ЫЙ, -ая, -ое кичик габаритли; ~**ая ме́бель** кичик габаритли мебель.

МАЛОГОВОРЯ́ЩИЙ, -ая, -ее яққол тасаввур бермайдиган, етарлича исботламайдиган, тўла ишонч ҳосил қилмайдиган; ~ **факт** яққол тасаввур бермайдиган (тўла ишонч ҳосил қилмайдиган) факт.

МАЛОГРАМО́ТНОСТЬ *ж* чаласаводлик, камсаводлик.

МАЛОГРАМО́ТН/ЫЙ, -ая, -ое; -тен, -тна 1 чаласавод, камсавод; ~**ый челове́к** чаласавод одам; 2 *перен.* билими оз, чалабилим; **техни́чески** ~**ый челове́к** техникадан чалабилим одам; 3 саводсизларча ёзилган, бажарилган; ~**ый чертёж** саводсизларча бажарилган чизма; 4 *в знач. сущ.* ~**ый** *м* чаласавод киши; ~**ая** *ж* чаласавод аёл; **шко́ла для** ~**ых** чаласаводлар мактаби.

МАЛОДЕЙСТВЕ́ННЫЙ, -ая, -ое унча таъсир кўрсатмайдиган, камтаъсир, самарасиз; ~**ое сре́дство** камтаъсир восита.

МАЛОДО́ЙКА *ж, р. мн.* **-о́ек** *разг.* камсут сигир.

МАЛОДО́ЙН/ЫЙ, -ая, -ое; -о́ен, -о́йна кам сут берадиган, сути кам, камсут; ~**ая коро́ва** камсут сигир.

МАЛОДОКАЗА́ТЕЛЬНЫ/Й, -ая, -ое; -лен, -льна етарли далил бўла олмайдиган, етарлича исботламайдиган, тасдиқламайдиган; ~**е до́воды** етарлича исботлай олмайдиган далиллар.

МАЛОДОСТУ́ПН/ЫЙ, -ая, -ое; -пен, -пна 1 одам оёғи етиши қийин, эришиб (бориб, чиқиб) бўлмайдиган; ~**ые па́стбища** одам оёғи етиши қийин яйловлар; 2 ҳаммага муяссар бўлавермайдиган, нархи баланд, қиммат; ~**ые това́ры** нархи баланд моллар; ~**ые це́ны** баланд нархлар; 3 *перен.* кам топиладиган; ноёб, ~**ая кни́га** ноёб китоб; 4 унча-мунчани менсимайдиган, назари илмайдиган, калондимоғ; ~**ый челове́к** калондимоғ одам.

МАЛОДОХО́ДН/ЫЙ, -ая, -ое; -ден, -дна камдаромад, унча даромад келтирмайдиган, даромади кам; ~**ое предприя́тие** камдаромад корхона (ёки иш).

МАЛОДУ́ШЕСТВОВАТЬ *несов.* қўрқоқлик (юраксизлик, продасизлик) қилмоқ; руҳи тушмоқ; ~ **в мину́ту опа́сности** хавфли пайтда продасизлик қилмоқ.

МАЛОДУ́ШИЕ *с* қўрқоқлик, юраксизлик, продасизлик, продаси сустлик; руҳий тушкунлик; **проявля́ть** ~ продасизлик қилмоқ.

МАЛОДУ́ШНИЧАТЬ *несов.* (*сов.* **смалоду́шничать**) *то же, что* **малоду́шествовать.**

МАЛОДУ́ШНЫЙ, -ая, -ое; -шен, -шна қўрқоқ, юраги йўқ, юраксиз, продасиз; иродаси суст; ~ **челове́к** қўрқоқ одам; продаси суст одам.

МАЛОЕЗЖЕ́НЫЙ, -ая, -ое 1 кўп минилмаган, миниш га яхши ўргатилмаган (от ҳақида); 2 кўп юрилмаган (йўл ҳақида).

МАЛОЕЗЖ/ИЙ, -ая, -ее кам юриладиган, камқатнов; ~**ая доро́га** камқатнов йўл.

МАЛОЗАМЕ́ТНЫ/Й, -ая, -ое; -тен, -тна 1 унча билинмайдиган, кўринмайдиган; билинар-билинмас; ~**е пя́тнышки** унча билинмайдиган доғлар; 2 *перен.* оддий, кўзга ташланмайдиган, бошқалардан ажралиб турмайдиган.

МАЛОЗАСЕЛЁННЫЙ, -ая, -ое аҳолиси кам, сийрак; ~ **край** аҳолиси кам (сийрак) ўлка.

МАЛОЗЕМЕ́ЛЬЕ *с* ер камлик, камерлик.

МАЛОЗЕМЕ́ЛЬНЫЙ, -ая, -ое; -лен, -льна ери кам, кам ер; ~ **крестья́нин** камерли деҳқон.

МАЛОЗНАКО́МЫ/Й, -ая, -ое унча таниш бўлмаган; кўзошна; ~**е лю́ди** унча таниш бўлмаган одамлар.

МАЛОЗНА́ЧАЩИЙ, -ая, -ее *то же, что* **малозначительный.**

МАЛОЗНАЧИ́ТЕЛЬНЫЙ, -ая, -ое; -лен, -льна унчалик муҳим аҳамияти (эътибори) бўлмаган, аҳамияти, эътибори йўқ, аҳамиятсиз; ~ **разгово́р** аҳамиятсиз гап.

МАЛОИЗВЕ́ДАННЫЙ, -ая, -ое унчалик синалмаган, бошдан кечириб (синаб) кўрилмаган, кам ўрганилган; ~ **путь** унчалик ўрганилмаган йўл; синалмаган йўл.

МАЛОИЗВЕ́СТН/ЫЙ, -ая, -ое; -тен, -тна унчалик маълум-машҳур бўлмаган, танилмаган, шуҳрати (номи, донги) чиқмаган; ~**ая кни́га** унчалик маълум бўлмаган китоб.

МАЛОИЗУЧЕ́ННЫЙ, -ая, -ое кам ўрганилган, етарлича ўрганилмаган, текширилмаган; ~ **вопро́с** етарлича ўрганилмаган масала.

МАЛОИМУЩИ́/Й, -ая, -ее камбағал, бечораҳол, ночор; ~**е слои́ населе́ния** аҳолининг бечораҳол табақалари.

www.ziyouz.com kutubxonasi

МАЛОИНТЕРЕСН/ЫЙ, -ая, -ое; -сен, -сна 1 унча қизиғи йўқ, унчалик қизиқтирмайдиган; **~ая кни́га** унчалик қизиғи йўқ китоб; 2 унчалик кўрки йўқ, кўримсиз, кўрксиз; **~ая нару́жность** кўримсиз қиёфа.

МАЛОИССЛЕ́ДОВАННЫЙ, -ая, -ое яхши текширилмаган, ўрганилмаган, тадқиқ этилмаган; **~ райо́н** яхши ўрганилмаган (тадқиқ этилмаган) район.

МАЛОКАЛИБЕ́РН/ЫЙ, -ая, -ое *то же, что* **мелкокали́берный; ~ое ружьё** кичик калибрли милтиқ.

МАЛОКАЛО́РИЙН/ЫЙ, -ая, -ое; -и́ен, -и́йна кам калорияли, калорияси кам (паст); тўйимсиз; **~ая пи́ща** калорияси кам овқат.

МАЛОКОМПЕТЕ́НТ/НЫЙ, -ая, -ое; -тен, -тна етарлича (яхши) билмайдиган, унчалик билимдон (омилкор, хабардор) эмас, билими кам; **он ~ен в э́той о́бласти зна́ний** билимнинг бу соҳасидан у яхши хабардор эмас; бу соҳани у яхши билмайди.

МАЛОКРО́ВИЕ *с* камқонлик, анемия; **страда́ть ~м** камқонлик (анемия) касалига йўлиқмоқ; камқон бўлмоқ.

МАЛОКРО́ВНЫЙ, -ая, -ое; -вен, -вна камқонлик (анемия) касалига йўлиққан; камқон; **~ ребёнок** камқон бола.

МАЛОКУЛЬТУ́РНЫЙ, -ая, -ое; -рен, -рна маданияти кам, маданиятдан орқада қолган; **~ челове́к** маданияти кам одам.

МАЛОЛЕ́СЬЕ *с* дов-дарахтларнинг камлиги, етишмаслиги, сийраклиги.

МАЛОЛЕ́ТКА *м* и *ж, р. мн.* **-ток** *разг. то же, что* **малоле́ток.**

МАЛОЛЕ́ТН/ИЙ, -яя, -ее 1 гўдаклик ёшидаги, ёш; **~ие де́ти** ёш болалар, гўдаклар; **~ий во́зраст** гўдаклик ёши; 2 *в знач. сущ.* **~ий** *м* ёш бола, гўдак; **~яя** *ж* ёш қиз.

МАЛОЛЕ́ТОК *м, р.* **-тка** *разг.* ёш бола, гўдак.

МАЛОЛЕ́ТСТВ/О *с* ёшлик, болалик, гўдаклик; **рабо́тать с ~а** болаликдан ишламоқ.

МАЛОЛИТРАЖКА *ж, р. мн.* **-жек** *разг.* камлитраж автомобиль.

МАЛОЛИТРАЖНЫЙ, -ая, -ое 1 литражи (сиғими) кам, кам элтадиган, камлитражли, кичкина; **~ бак** кам литражли бак, кичкина бак; 2 камлитраж (оз бензин сарфлайдиган); **~ автомоби́ль** камлитраж автомобиль.

МАЛОЛЮДН/ЫЙ, -ая, -ое; -ден, -дна одам(и) кам, сийрак; **~ые у́лицы** одам кам кўчалар; хилват кўчалар; **~ый край** одам кам (аҳолиси сийрак) ўлкалар; камаҳоли ўлкалар; **~ое собра́ние** одам кам мажлис, одам (лар) кам бўлган (қатнашган) мажлис.

МАЛОЛЮДЬЕ *с* одам камлиги; аҳолининг сийраклиги.

МАЛО-МАЛЬСКИ *нареч. разг.* озгина, андак, бирқадар, унча-мунча; **~ приго́дное помеще́ние** бирқадар яроқли бино.

МАЛОМАЛЬСК/ИЙ, -ая, -ое *разг.* озгина; **при ~ом внима́нии...** озгина эътибор берилган тақдирда ҳам...

МАЛОМЕ́РКА *ж, р. мн.* **-рок** *разг.* размери, ўлчами кичик пойабзал, кийим

МАЛОМЕ́РН/ЫЙ, -ая, -ое кичик размерли, размери, ўлчами кичик; **~ая о́бувь** кичик размерли пойабзал.

МАЛОМЕ́СТНЫЙ, -ая, -ое кам ўринли; **~ авто́бус** кам ўринли автобус.

МАЛОМО́ЧНЫЙ, -ая, -ое; -чен, -чна *обл. то же, что* **маломощный** 1; **~ крестья́нин** ночор деҳқон.

МАЛОМО́ЩНОСТЬ *ж* 1 камқувватлик, қуввати камлик; **~ установки** қурилманинг камқувватлиги; 2 камқувватлик, ночорлик; **~ крестья́нского хозя́йства** деҳқон хўжалигининг камқувватлиги.

МАЛОМО́ЩНЫЙ, -ая, -ое; -щен, -щна 1 камқувват, ночор; 2 камқувват, қуввати кам; **~ дви́гатель** камқувват двигатель; 3 *разг.* куч-қуввати, дармони кам, бедармон, заиф.

МАЛОНАДЁЖНЫЙ, -ая, -ое; -жен, -жна унчалик ишониб бўлмайдиган; бетайин; **~ челове́к** унчалик ишониб бўлмайдиган одам, бетайин одам.

МАЛОНАСЕЛЁННЫЙ, -ая, -ое аҳолиси кам, сийрак; камаҳоли; **~ кра́й** камаҳоли ўлка.

МАЛООБЕСПЕЧЕНН/ЫЙ, -ая, -ое яхши таъмин этилмаган, етарлича таъминланмаган, таъминоти етарли эмас, муҳтож; **~ое хозя́йство** етарлича таъминланмаган хўжалик.

МАЛООБЛАЧН/ЫЙ, -ая, -ое; -чен, -чна кам булутли, булут кам, сийрак; **~ая пого́да** булут кам (сийрак) об-ҳаво.

МАЛООБРАЗО́ВАННЫЙ, -ая, -ое маълумоти кам, етарли маълумот олмаган, кам ўқиган; **~ челове́к** маълумоти кам одам.

МАЛООБЩИТЕЛЬНЫЙ, -ая, -ое; -лен, -льна одамларга, улфатга қўшилмайдиган; минғаймас, камгап; **~ челове́к** минғаймас одам; камгап одам.

МАЛООПЫТНЫЙ, -ая, -ое; -тен, -тна тажрибаси оз, кам тажриба кўрган, етарли тажриба орттирмаган, ғўр; **~ врач** тажрибаси оз врач.

МАЛООСНОВА́ТЕЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое; -лен, -льна 1 асоси бўш, етарли асосга эга бўлмаган, унча асосли деб бўлмайдиган, етарлича асосланмаган; **~ое утвержде́ние** асоси бўш (етарли асосга эга бўлмаган) даъво; **~ый до́вод** унча асосли деб бўлмайдиган далил.

МАЛОПИТАТЕЛЬНЫЙ, -ая, -ое; -лен, -льна унчалик тўйдирмайдиган, тўқ тутмайдиган; тўйимли эмас, жири оз, ғози кам; **~ корм** ғози кам ем-хашак.

МАЛОПЛО́ДНЫЙ, -ая, -ое; -ден, -дна каммева, камҳосил, кам мева қиладиган.

МАЛОПЛОДОРО́ДН/ЫЙ, -ая, -ое; -ден, -дна камҳосил, кам ҳосил берадиган, ориқ; **~ая по́чва** камҳосил ер.

МАЛОПОДГОТОВЛЕНН/ЫЙ, -ая, -ое тайёргарлиги кам, етарлича тайёрланмаган, тайёргарлиги етмайдиган; **~ая аудито́рия** тайёргарлиги кам (етмайдиган) аудитория.

МА́ЛО-ПОМА́ЛУ *нареч. разг.* оз-оздан, аста-секин.

МАЛОПОНЯТНЫЙ, -ая, -ое; -тен, -тна яхши тушуниб бўлмайдиган, унчалик тушунарли деб бўлмайдиган, мужмалроқ.

МАЛОПРИБЫЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое; -лен, -льна камфойда, унчалик фойда келтирмайдиган, фойдаси кам; **~ое предприя́тие** камфойда корхона (ёки иш).

МАЛОПРИГО́ДНЫ/Й, -ая, -ое; -ден, -дна унча яроқли бўлмаган, нобоп; **~е для посе́ва зе́мли** экин экиш учун унча яроқли бўлмаган ерлар.

МАЛОПРОДУКТИ́ВНЫЙ, -ая, -ое; -вен, -вна 1 камунум, каммаҳсул, унуми (маҳсули, самараси) кам, самарасиз; **~ труд** камунум меҳнат; 2 *с.-х.* каммаҳсул; маҳсулдор эмас; **~ скот** каммаҳсул мол.

МАЛОПРОИЗВОДИ́ТЕЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое; -лен, -льна камунум, каммаҳсул; унуми йўқ; **~ая рабо́та** камунум иш; унуми йўқ иш.

МАЛОРАЗВИТЫЙ, -ая, -ое 1 унчалик ривожланмаган, ўсмаган; тараққий этмаган; кам тараққий этган; 2 билими оз, савияси тор, чекланган.

МАЛОРО́СЛЫЙ, -ая, -ое бўйи паст, паст бўй, пастак; пакана; майда; **~ скот** пастак қорамол.

МАЛОСЕМЕ́ЙНЫЙ, -ая, -ое оиласи кичик, кичик оилали, камжон, бола-чақаси оз.

МАЛОСИ́ЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое; -лен, -льна 1 кучи, қуввати кам, кучсизроқ; **~ая ло́шадь** кучи кам от; 2 камқувват; **~ый дви́гатель** камқувват двигатель.

МАЛОСНЕЖН/ЫЙ, -ая, -ое; -жен, -жна камқор, қор кам ёққан, қор кам бўлган; **~ая зима́** камқор қиш.

МАЛОСОДЕРЖА́ТЕЛЬНЫЙ, -ая, -ое; -лен, -льна чуқур мазмунга эга бўлмаган, мазмуни саёз, сийқа, мазмунсиз; **~ разгово́р** бемазмун гап; **~ докла́д** мазмуни саёз доклад.

МАЛОСОЗНА́ТЕЛЬНЫЙ, -ая, -ое; -лен, -льна онги, тушунчаси паст, онги етук бўлмаган; **~ челове́к** онги паст одам.

МАЛОСО́ЛЬНЫ/Й, -ая, -ое; -лен, -льна тузи паст, камтуз, нимтатир; **~е огурцы́** нимтатир қилиб тузланган бодринг.

МАЛОСТ/Ь *ж* 1 арзимаган нарса; ҳуда-беҳуда, майда-чуйда; **поссо́риться из-за ~и** арзимаган нарсага (ҳуда-беҳудага) жанжаллашмоқ; 2 *в знач. нареч. прост.* бир оз, сал, андак, салгина, сал-пал; **мне ~ь нездоро́вится** бир оз мазам қочиб турибди.

МАЛОСУЩЕСТВЕННЫ/Й, -ая, -ое унчалик аҳамияти бўлмаган, унчалик муҳим бўлмаган, эътиборга олмаса ҳам бўладиган; **~е подро́бности** эътиборга олмаса ҳам бўладиган тафсилот.

www.ziyouz.com kutubxonasi

МАЛОТИРАЖН/ЫЙ, -ая, -ое камтираж, тиражи кам, оз нусха чиқариладиган; **~ое изда́ние** камтираж нашр; оз нусхада чиқариш.

МАЛОУБЕДИ́ТЕЛЬНЫ/Й, -ая, -ое; -лен, -льна унчалик ишонтирмайдиган, тўла ишонч ҳосил қилмайдиган, ишонарли деб бўлмайдиган; **~е до́воды** ишонарли деб бўлмайдиган далиллар.

МАЛОУДО́ЙН/ЫЙ, -ая, -ое; -о́ен, -о́йна камсут, кам сут берадиган, сути оз; **~ая коро́ва** камсут сигир.

МАЛОУПОТРЕБИ́ТЕЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое; -лен, -льна кам ишлатиладиган, кам истеъмол қилинадиган, кам қўлланиладиган; **~ое сло́во** кам ишлатиладиган сўз.

МАЛОУРОЖА́ЙНЫ/Й, -ая, -ое; -а́ен, -а́йна камҳосил, ҳосили кам; **~й год** ҳосил кам бўлган йил; **~е сорта́ пшени́цы** буғдойнинг камҳосил навлари.

МАЛОУСАДО́ЧНЫ/Й, -ая, -ое; -чен, -чна унча киришмайдиган; **~е тка́ни** унча киришмайдиган газмоллар.

МАЛОУТЕШИТЕ́ЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое; -лен, -льна унчалик тасалли бермайдиган, хурсанд қилмайдиган, қувонарли деб бўлмайдиган; **~ое изве́стие** қувонарли деб бўлмайдиган хабар.

МАЛОЦЕ́НН/ЫЙ, -ая, -ое; -е́нен, -е́нна унчалик қиммат турмайдиган, арзонбаҳо, нархи паст, арзимас; **~ый инвента́рь** арзонбаҳо инвентарь; **~ая вещь** унчалик қиммат турмайдиган нарса.

МАЛОЧИ́СЛЕННОСТЬ *ж* озлик, сони камлик, камсонлилик; **~ населе́ния** аҳолининг озлиги.

МАЛОЧИ́СЛЕННЫЙ, -ая, -ое одами оз, сони кам, камсон; **~ отря́д** одами оз отряд: кичик отряд.

МАЛОЧУВСТВИТЕЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое; -лен, -льна унчалик сезгир эмас, яхши сезмайдиган; **~ая фотопла́нка** унчалик сезгир эмас фотоплёнка.

МАЛОШЕ́РСТН/ЫЙ, -ая, -ое камюнг, юнги кам, кам юнг берадиган; **~ая поро́да ове́ц** қўйларнинг камюнг тури.

МАЛОЭТА́ЖНЫЙ, -ая, -ое камқават, қаватлари кам; **~ дом** камқават уй (бино).

МА́ЛЫЙ I, -ая, -ое; ме́ньший и **ме́ньше, мале́йший** 1 *то же, что* **ма́ленький** 1, 2, 5; **~ рост** паст бўй; **дом мал, но удо́бен** уй кичкина-ю, лекин қулай (шинам); **ма́лые де́ти** ёш болалар; **ма́лые разме́ры** кичик ўлчамлар; **с ма́лыми поте́рями** унча кўп йўқотмасдан; оз талафот бериб; **с ма́лых лет** ёшликдан(оқ), болаликдан(оқ); ёшлик чоғларидан бошлаб; 2 *в знач. сущ.* **ма́лое** *с* озгина нарса, кичик одам; **довóльствоваться ма́лым** озга қаноат қилмоқ, оз билан қаноатланмоқ; 3 *в знач. сказ.* кичик, кичкина, чоғ, чоғроқ; **сапоги́ мне малы́** этик менга чоғроқ; **пальто́ ему́ мало́** пальто унга кичкина келди; 4 кичик (баъзи номлар таркибида); **Ма́лая Азия** Кичик Осиё; **Ма́лый теа́тр** Кичик театр; **Ма́лая Сове́тская Энциклопе́дия** Кичик Совет Энциклопедияси; ✦ **ма́лая механиза́ция** кичик механизация (қисман механизациялаштириш); **ма́лые фо́рмы** кичик (ихчам) формалар (санъатда, театрда); **ма́лая ско́рость** *ж.-д.* кичик тезлик (темир йўлда белгиланган тезлик нормаларидан бири); **~ ход** *мор.* секинлатилсин! (денгиз флотида тезликни камайтириш ҳақидаги буйруқ); **от ма́ла до вели́ка** каттадан кичиккача, ёшу қари, ҳамма, барча; **без ма́лого** қарийб, деярли; салкам; **за ма́лым де́ло ста́ло** иш озгина (арзимаган) нарсага қараб қолди; **са́мое ма́лое** кам деганда, энг камида; ҳеч бўлмаганда, лоақал, ақалли.

МА́ЛЫЙ II *м* 1 *разг.* ўспирин, бола, йигитча; **двадцатиле́тний ~** йигирма ёшли йигитча; 2 *разг. какой* одам, киши; **он сла́вный ~** у яхши одам; **~не про́мах** ҳақини кеткизмайдиган (бўш келмайдиган, ишига пишиқ) одам; **ло́вкий ~** чаққон (эпчил) одам.

МАЛЫ́Ш *м, р.* **-а́** 1 кичкина бола, ёш бола, кичкинтой; ўғилча; 2 *прост. шутл.* жимит, митти, қўқил (кичкина одам ҳақида).

МАЛЫШКО́ВЫ/Й, -ая, -ое *разг.* кичкинтойларга оид, кичкинтой(лар)...; **пионе́рские зве́нья и ~е гру́ппы** пионерлар звенолари ва кичкинтойлар группалари.

МАЛЫ́ШН/Я *ж собир.* кичкина болалар, ёш болалар, кичкинтойлар, жўжалар. **вози́ться с ~ёй** кичкина болалар билан гурпайлашмоқ.

МАЛЫШО́В/ЫЙ, -ая, -ое кичкинтойларга хос бўлган, кичик болалар учун белгиланган; кичкина болалар...; кичкинтойлар...; **~ая гру́ппа в де́тском саду́** болалар боғчасида кичкинтойлар группаси.

МА́ЛЬВА *ж* гулхайри.

МА́ЛЬВОВЫ/Й, -ая, -ое 1 гулхайрига оид; гулхайри...; **~е цветы́** гулхайри гули; 2 *в знач. сущ.* **~е** *мн. бот.* гулхайрилар; **семе́йство ~х** гулхайрилар оиласи.

МАЛЬТУЗИА́НЕЦ *м, р.* **-нца** мальтусчи, мальтусчилик тарафдори.

МАЛЬТУЗИА́НСТВО *с* мальтусчилик (барча социал офатларнинг, қашшоқликнинг манбаи ҳаёт учун зарур воситаларга нисбатан аҳоли сонининг тез ўсишидадир, деб даъво қилувчи буржуа иқтисодий таълимоти).

МА́ЛЬЧИК *м* 1 бола, ўғил бола; **~и и де́вочки** ўғил болалар ва қизлар; 2 хизматкор, югурдак; **я не ~, что́бы быть на побегу́шках** мен ёш бола эмасманки, югурдаклик қилсам; ✦ **~ с па́льчик** бармоқ бўйи бола, тирноқдай бола; митти (эртакларда).

МА́ЛЬЧИКОВ/ЫЙ, -ая, -ое ўғил болаларга аталган; ўғил болалар...; **~ое пальто́** ўғил болалар пальтоси; **~ые сапо́жки** ўғил болалар этиги, бачкана этик.

МА́ЛЬЧИШЕСКИ/Й, -ая, -ое 1 ўғил болаларга хос бўлган, болача; ўғил бола(лар)...; **~й вид** болача кўриниш; **~й го́лос** ўғил бола(лар) овози; 2 *перен.* катталарга номуносиб, бачкана, болаларча, гўдакларча; **~е вы́ходки** бачкана қилиқлар; **~е посту́пки** бачкана хатти-ҳаракат.

МА́ЛЬЧИШЕСТВ/О *с* катталарга номуносиб хатти-ҳаракат, бачкана қилиқ, бачканалик, бачканагарчилик, болалик; **упрека́ть** *кого-л.* **в ~е** кимсани бачканалиги учун койимоқ.

МА́ЛЬЧИШЕЧИЙ, -ья, -ье *разг. то же, что* **мальчи́шеский; ~ задо́р** болаларга хос ғурур; болалик ғурури.

МА́ЛЬЧИШКА *ж, р. мн.* **-шек** *разг. то же, что* **ма́льчик.**

МА́ЛЬЧИШНИК *м* 1 куёв оши; 2 *перен.* эркаклар ўтириши.

МАЛЬЧО́НКА *ж разг. уменьш.-ласк. от* **ма́льчик** 1 болакай, болатой, ўғилтой.

МАЛЬЧО́НОК *м, р.* **-нка** *разг. уменьш.-ласк. от* **ма́льчик** 1 *то же, что* **мальчо́нка.**

МА́ЛЬЧУГАН *м разг. ласк. от* **ма́льчик** 1 бола, ўғил бола, болатой; **годова́лый ~** бир яшар бола.

МАЛЮСЕНЬКИ/Й, -ая, -ое *разг.* кичкинагина, жуда кичик, жажжи, митти, зиғирдак; **~й щено́к** кичкинагина кучукча; **~е колёсики** кичкинагина ғилдиракчалар.

МАЛЮ́ТКА *м* и *ж, р. мн.* **-ток** 1 чақалоқ, гўдак; 2 кичкина нарса, митти; **кни́жка-~** митти китоб.

МАЛЮ́ТОЧКА *м* и *ж, р. мн.* **-чек** *ласк. от* **малю́тка** 1 чақалоққина, дўмбоқча.

МАЛЯ́ВКА, *р. мн.* **-вок** 1 *ж то же, что* **малёк;** 2 *м* и *ж разг. ирон.* кичкина, пастбўй одам, митти, қўқил.

МАЛЯ́Р *м, р.* **-а́** бўёқчи, сирчи, сиркор.

МАЛЯРИ́Й/Н/ЫЙ, -ая, -ое 1 малярияга, безгакка оид; малярия...; безгак...; **~ые заболева́ния** безгак касалликлари; 2 малярия (безгак) тарқатувчи, юқтирувчи; малярия...; безгак...; **~ый кома́р** безгак чивини; **~ая ме́стность** безгак макони, безгак кўп тарқалган жой; 3 малярияга (безгакка) қарши кураш олиб борувчи; малярия...; безгак...; **~ая ста́нция** малярия станцияси.

МАЛЯ́РИК *м разг.* малярия (безгак) касалига йўлиққан одам, малярик, безгак.

МАЛЯ́РИ/Я *ж* малярия, безгак; **тропи́ческая ~я** тропик безгак; **страда́ть ~ей** безгак касали билан оғримоқ.

МАЛЯ́РНИЧАТЬ *несов. разг.* бўёқчилик қилмоқ, бўёқчилик (сиркорлик) касби билан шуғулланмоқ.

МАЛЯ́РН/ЫЙ, -ая, -ое бўёқчиликка, сиркорликка оид, бўёқчилик...; **~ые рабо́ты** бўёқчилик ишлари; **~ая кисть** бўёқчилик чўткаси.

МАМА *ж* ойи, она (кўпроқ мурожаатда ишлатилади).

МАМАЛЫ́ГА *ж* жўхори бўтқа.

МАМА́ША *ж разг.* 1 *то же, что* **ма́ма;** 2 онахон, онажон (катта ёшдаги хотинларга мурожаат формаси).

МАМЕЛЮ́К и **МАМЛЮ́К** *м ист.* мамелюк (Миср султонларининг шахсий соқчи аскари).

МАМЕ́НЬКА *ж, р. мн.* **-нек** *уст.* **ойижон, онажон.**

www.ziyouz.com kutubxonasi

МАМЕ́НЬКИН, -а, -о *уст.* **ойи́га тегишли, ойи́ники,** онаники; ✦ **~сыно́к** ойисининг эркаси, ойисининг эркаболаси, эркатойи; эркатой, арзанда.

МА́МИН, -а, -о ойига тегишли, ойининки; **~о пла́тье** ой(м)нинг кўйлаги.

МА́МКА *ж уст.* энага.

МАМО́НТ *м* мамонт.

МАМО́НТОВ/ЫЙ, -ая, -ое мамонтга оид; мамонт...; **~ая кость** мамонт суяги.

МАМО́ЧКА *ж, р. мн.* **-чек** *ласк. от* **ма́ма** онажон, ойижон.

МАМУ́СЯ *ж ласк. от* **ма́ма** онажон, ойижон.

МАНА́ТКИ *мн., р.* **-ток** *прост.* ашқол-дашқол, лаш-луш, бор-буд, буд-шуд; **собра́ть ~** ашқол-дашқолни йиғиштирмоқ.

МАНГА́Л *м* манқал.

МА́НГО *с нескл.* манго, анбаҳ (иссиқ мамлакатларда ўсадиган мевали дарахт ва унинг меваси); **сок ~** манго суви.

МА́НГОВ/ЫЙ, -ая, -ое манго дарахти ва мевасига оид; манго...; анбаҳли...; **~ое де́рево** манго (анбаҳ) дарахти; **~ый сок** манго суви.

МАНГУ́СТА *ж* мангуста (кичкина йиртқич ҳайвон; бир тури заҳарли илонларга ўч бўлади).

МАНДАРИ́Н I *м* мандарин (Хитойда революциядан олдин: катта амалдор).

МАНДАРИ́Н II *м* мандарин (дарахти ва меваси).

МАНДАРИ́НН/ЫЙ, -ая, -ое мандарин дарахти ва мевасига оид; мандариндан қилинган; мандарин...; **~ые ве́тви** мандарин шохлари; **~ое варе́нье** мандарин мураббоси.

МАНДАРИ́НОВЫЙ, -ая, -ое *то же, что* **мандари́нный.**

МАНДАРИ́НСК/ИЙ, -ая, -ое мандаринларга оид; мандаринларга хос бўлган; мандарин(лар)...; **~ая жесто́кость** мандаринларга хос шафқатсизлик.

МАНДА́Т *м* **1** мандат, гувоҳнома; **депута́тский ~** депутатлик мандати; **2** мандат, ваколат.

МАНДА́ТН/ЫЙ, -ая, -ое мандатга оид; мандат...; **~ая коми́ссия** мандат комиссияси.

МАНДОЛИ́НА *ж* мандолина.

МАНДОЛИНИ́СТ *м* мандолиначи, мандолина чалувчи.

МАНДОЛИНИ́СТКА *ж, р. мн.* **-ток** *см.* **мандолини́ст.**

МАНДРАГО́РА *ж бот.* меҳригиёҳ.

МАНЕ́ВР *м* **1** *воен.* маневр (жанг майдонида қўшинларнинг душманга зарба бериш учун қулай вазият олиш мақсадидаги ҳаракати); **такти́ческий ~** тактик маневр; **обхо́дный ~** душманга чап бериб ўтиш маневри; **~ на окруже́ние проти́вника** душманни қуршовга олиш учун қилинган маневр; **2** *мн.* **~ы** *воен.* маневр, маневрлар (қўшинларнинг, флотнинг жанг шароитига яқин шароитдаги машқлари); **весе́нние ~ы войск** қўшинларнинг баҳорги маневрлари; **3** *перен.* устомонлик билан қилинган ҳаракат; устомонлик, ҳийла, найранг; **неуда́чный ~** ўнгидан келмаган (ўтмай қолган) найранг; **4** *мн.* **~ы** *ж.-д.* маневр, маневрлар (поезд тузиш учун паровоз ва вагонлар ҳаракати)

МАНЕВРЕ́ННОСТЬ *ж* маневрчанлик, чаққон ҳаракат қилиш, чаққонлик; **высо́кая ~ войск** қўшинларнинг юксак маневрчанлиги; **~ та́нка** танкнинг маневрчанлиги.

МАНЕВРЕ́НН/ЫЙ, -ая, -ое 1 *воен.* маневрга асосланган, маневр йўли билан олиб бориладиган, маневрли; **~ая война́** маневрли уруш, маневр йўли билан олиб бориладиган жанг; **2** маневрчан, ҳаракатчан; маневрчанликка асосланган; **~ый кре́йсер** маневрчан крейсер; **~ая та́ктика** маневрчанликка асосланган тактика; **3** *то же, что* **маневро́вый.**

МАНЕВРИ́РОВАНИ/Е *с по гл.* **маневри́ровать; та́ктика ~я** маневр тактикаси; маневрга асосланган тактика; **операти́вное ~е** оператив равишда иш кўриш.

МАНЕВРИ́РОВАТЬ *несов.* **1** (*сов.* **сманеври́ровать** *разг.*) *воен. ж.-д.* маневр қилмоқ, маневр ўтказмоқ; **2** (*сов.* **сманеври́ровать** *разг.*) *перен.* усталик билан ҳаракат қилмоқ; устомонлик қилмоқ; ҳийла, найранг ишлатмоқ; **3** *перен. чем* усталик билан ишлатмоқ, моҳирона фойдаланмоқ; **иску́сно ~ резе́рвами** резервлардан моҳирона фойдаланмоқ.

МАНЕВРО́ВЫЙ, -ая, -ое *ж.-д.* маневр қиладиган, маневрчи; **манёвр...; ~ паровоз манёвр** паровози.

МАНЕ́Ж *м* **1** манеж (от ўргатиладиган, чавандозлар, отлиқ аскарлар машқ қиладиган жой); **учи́ться верхово́й езде́ в ~е** манежда от минишга ўрганмоқ; **2** манеж, цирк майдони; **3** манеж (болаларни юришга ўргатиш учун атрофига тўр тутилган тўғарак мослама).

МАНЕ́ЖИ/ТЬ *несов. прост. кого* куттириб, овора-сарсон, саргардон қилмоқ; сарғайтирмоқ; **что ты ~шь?** нега овора-сарсон қиласан?

МАНЕ́ЖН/ЫЙ, -ая, -ое 1 манежга оид; манеж...; **~ый двор** манеж ҳовлиси; **2** манеж машқларига оид; **~ая езда́** манежда от ўргатиш, ўйнатиш.

МАНЕКЕ́Н *м* **1** манекен (кийимларни намойиш қилиш ёки ўлчаб кўриш учун гавда қолипи); **шить по ~у** манекенга ўлчаб тикмоқ; **2** *перен.* қуруқ гавда, лоқайд, ланж одам.

МАНЕКЕ́НЩИК *м* манекенчи (тайёр кийимларни кийиб кўрсатувчи одам).

МАНЕКЕ́НЩИЦА *ж см.* **манеке́нщик.**

МАНЕ́Р *м прост.:* **1) мане́ром** *каким* (бирор) тарзда, тахлитда, йўсинда, тариқада, суратда; **живы́м ~ом** жадал суратда, тез; **таки́м ~ом** шу тариқа, шу тарзда; **2) на ~** *какой* -ча, -часига; **на но́вый ~** янгича, янгичасига; **3) на ~** *кого-чего* -га ўхшаб, ўхшатиб, тақлидан; **сде́лать узело́к на ~ ба́нта** бантга ўхшатиб (бант тахлитда) тугун солмоқ.

МАНЕ́Р/А *ж* **1** ҳаракат (муомала) тарзи; тарз, йўсин, усул; услуб; **~а вести́ себя́** ўзини тутиш (юриш-туриш) тарзи; сулукат; **но́вая ~а пе́ния** қўшиқ айтишнинг янги усули; **у него́ стра́нная ~а разгова́ривать** унинг гаплашиши қизиқ; у ғалати гаплашади; **2** *мн.* **~ы** одат, қилиқ, хулқ-атвор, сулукат; **плохи́е ~ы** ёмон одатлар; бўлмағур қилиқлар; **учи́ть хоро́шим ~ам** яхши одатларга ўргатмоқ.

МАНЕ́РКА *ж, р. мн.* **-рок** ёнда осиб юрадиган сув идиши.

МАНЕ́РНИЧАТЬ *несов. разг.* сулукат қилмоқ, қилиқ қилмоқ, ўзини ғайритабиий тутмоқ, қийшангламоқ.

МАНЕ́РНЫ/Й, -ая, -ое; -рен, -рна сулукатли, қилиқдор; ғайритабиий; **~е же́сты** сулукатли имо-ишоралар; **~й стиль** ғайритабиий услуб.

МАНЖЕ́Т/А *ж* **1** манжета. қадама енг; **пристегну́ть ~ы** манжеталарни қадаб олмоқ; **2** *тех.* манжета (поршенли насосларнинг чарм сумбаси).

МАНЖЕ́ТН/ЫЙ, -ая, -ое манжетали; манжета...; **~ая за́понка** манжета запонкаси.

МАНИАКА́ЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое *прил. от* **ма́ния** васваса оқибатидаги, васваса оқибатида юзага келган; **~ый психо́з** васваса оқибатидаги психоз; **~ое состоя́ние** васвослик, савдойилик, васвасага тушиш.

МА́НИ/Е *с уст.:* **~ем** или **по ~ю** (рукй, бровёй и т. п.) имоси билан, ишораси билан; **~ем руки́** қўл ишораси билан; қўл билан ишора қилиб; **по ~ю** *кого* хоҳиши билан, продаси билан.

МАНИКЮ́Р *м* маникюр; **де́лать ~** маникюр қилмоқ (қилдирмоқ).

МАНИКЮ́РН/ЫЙ, -ая, -ое маникюр қиладиган; маникюр...; **~е но́жницы** маникюр қайчиси.

МАНИКЮ́РША *ж* маникюр қилувчи аёл.

МАНИ́ЛОВЩИНА *ж* маниловчилик (қуруқ хаёлпарастлик, хомхаёллик; лоқайдлик).

МАНИПУЛИ́РОВАТЬ *несов. чем* и *без доп.* манипуляция қилмоқ.

МАНИПУ́ЛЯТОР *м* **1** *тех.* манипулятор, манипуляция қилувчи одам; **2** *тех.* манипулятор (мураккаб ҳаракатларни бажарувчи турли қурилмалар номи); **3** манипулятор (турли нарсалар билан ўйин кўрсатувчи цирк артисти).

МАНИПУЛЯ́ЦИЯ *ж* **1** манипуляция (қўл ишида мураккаб ва нозик ҳаракатлар); **2** *перен.* алдам-қалдам, ҳийла, найранг.

МАНИ́ТЬ, маню́, ма́нишь *несов. кого-что* **1** (*сов.* **помани́ть**) имламоқ; имлаб (имо, ишора қилиб) чақирмоқ; **~ соба́ку** итни имлаб чақирмоқ; **2** *перен.* ўзига тортмоқ, жалб этмоқ, қизиқтирмоқ, оғушта қилмоқ; **юг ма́нит челове́ка свое́й красото́й** жануб гўзаллиги билан кишини ўзига тортади.

МАНИФЕ́СТ *м* **1** манифест (программа характеридаги ҳужжат); **Манифе́ст Коммунисти́ческой па́ртии** Коммунис

www.ziyouz.com kutubxonasi

тик партия манифести; 2 манифест, мурожаатнома, мурожаат; ~ **ко всем наро́дам ми́ра** бутун дунё халқларига мурожаатнома (мурожаат).

МАНИФЕСТА́НТ *м* манифестация (намойиш) қатнашчиси, манифестациячи, намойишчи.

МАНИФЕСТА́НТКА *ж, р.* **-ток** *см.* **манифеста́нт.**

МАНИФЕСТА́ЦИЯ *ж* манифестация, намойиш; ~ **солида́рности** бирдамлик намойиши.

МАНИФЕСТИ́РОВАТЬ *несов.* манифестация (намойиш) қилмоқ, манифестацияда қатнашмоқ; ~ **по у́лицам го́рода** шаҳар кўчаларида манифестация (намойиш) қилмоқ.

МАНИ́ШКА *ж, р. мн.* **-шек** манишка (кўйлакнинг қадама кўкрак қисми).

МА́НИЯ *ж* 1 васваса, савдо; васвослик, савдойилик; ~ **вели́чия** улуғлик васвасаси. ўзини улуғ (катта одам) деб фаҳмлаш; ~ **преследования** таъқиб васвасаси, ўзини доим таъқиб остида деб фаҳмлаш; 2 *перен.* ортиқ ишқибозлик, майл, берилиш; ~ **писа́ть стихи́** шеър ёзишга ортиқ ишқибозлик, мойиллик.

МА́НКА *ж разг. то же, что* **ма́нная крупа́** *см.* **ма́нный.**

МАНКИ́РОВАТЬ *сов.* и *несов. чем уст.* парвосизлик билан қарамоқ, бепарво бўлмоқ, назар-писанд қилмай қўймоқ; назари илмаслик; ~ **заня́тиями** машғулотларга парвосизлик билан қарамоқ.

МА́НН/А *ж* яҳудийлар афсонасида: осмондан ёғилган ун; ✦ **как ~ы небе́сной** (ждать, жа́ждать и т. п.) зор-интизор бўлиб кутмоқ; ~**ой небе́сной пита́ться** *шутл.* оч-наҳор яшамоқ.

МА́НН/ЫЙ: ~**ая крупа́** буғдой ёрмаси; ~**ая ка́ша** манний каша, ёрма; ~**ые оладьи** манний қуймоғи.

МАНОВЕ́НИЕ *с уст.* имо, ишора, им; ~**м руки́** қўл ишораси билан; қўл билан ишора қилиб.

МАНО́К *м, р.* **-нка́** киркик (қуш чақирадиган ҳуштак).

МАНО́МЕТР *м* манометр.

МАНОМЕТРИ́ЧЕСК/ИЙ, -ая, -ое манометрик, манометр...; ~**ая тру́бка** манометрик найча; манометр найчаси; ~**ие измере́ния** манометрик ўлчашлар.

МАНСА́РД/А *ж* мансарда, қия шипли болохона; **дом с ~ой** болохонали уй.

МА́НСИ *мн. нескл. (ед.* **ма́нси** *м и ж нескл.)* манси, мансилар; *см.* **манси́йцы; ~ язы́к** *то же, что* **манси́йский язы́к** *см.* **манси́йский.**

МАНСИЕ́Ц *м, р.* **-йца** манси; *см.* **манси́йцы.**

МАНСИ́ЙКА *ж, р. мн.* **-е́к** манси аёл *см.* **манси́йцы.**

МАНСИ́ЙСКИЙ, -ая, -ое мансиларга оид; мансича; манси...; ~ **язы́к** манси тили.

МАНСИ́ЙЦЫ *мн. (ед.* **манси́ец** *м,* **манси́йка** *ж)* мансилар (Ханти-Манси автоном округида яшовчи халқ).

МАНТИ́ЛЬЯ *ж, р. мн.* **-лий** мантилья (1 испан аёлларининг елкага ташлаб юриладиган тўр рўмоли; 2 елкага илиб юриладиган енгсиз нимча).

МА́НТИЯ *ж* 1 мантия, ридо; **мона́шеская ~** монахлар (роҳиблар) ридоси; 2 *зоол.* мантия; тери (қобиқ, чиғаноқ) бурмаси; 3 *геол.* мантия (Ернинг ички қобиғи).

МАНТО́ *с нескл.* манто, **кара́кулевое ~** қоракўл манто.

МАНУСКРИ́ПТ *м книжн.* манускрипт, қадимги қўл ёзма.

МАНУФАКТУ́РА *ж* 1 мануфактура (капиталистик ишлаб чиқаришнинг машиналашган йирик саноат пайдо бўлмасдан олдинги формаси; 2 *уст.* мануфактура (фабрика); 3 *уст.* мануфактура, газмол, мато.

МАНУФАКТУ́РНЫЙ, -ая, -ое 1 мануфактура 1 га оид; мануфактура...; ~ **пери́од капитали́зма** капитализмнинг мануфактура даври; 2 мануфактурага, газмолга оид; мануфактура...; газмол...; ~ **магази́н** мануфактура (газмол) магазини.

МАНЬЧЖУ́Р *м* маньчжур; *см.* **маньчжу́ры.**

МАНЬЧЖУ́РКА *ж, р. мн.* **-рок** маньчжур аёл; *см.* **маньчжу́ры.**

МАНЬЧЖУ́РСКИЙ, -ая, -ое Маньчжурияга ва маньчжурларга оид; маньчжурия...; Маньчжур(лар)...; ~ **язы́к маньчжурлар тили.**

МАНЬЧЖУ́РЫ *мн. (ед.* **маньчжу́р** *м,* **маньчжу́рка** *ж)* маньчжурлар (Хитой Халқ республикасининг Дунбэй ўлкасида яшовчи элат).

МАНЬЯК *м* савдойи, васвос.

МАНЬЯ́ЧЕСТВО *с* васвослик, савдойилик, ортиқ майл, ишқибозлик, берилиш.

МАНЬЯ́ЧКА *ж, р. мн.* **-чек** *см.* **маньяк.**

МАРАБУ́ *с нескл.* марабу, марбут (лайлакларга мансуб катта қуш).

МАРА́ЗМ *м* 1 маразм (куч-қувватдан қолиш); **ста́рческий ~** қарилик маразми, қариб-чуриб, куч-қувватдан қолиш; 2 *перен.* маънавий тушкунлик.

МАРАКОВА́ТЬ, -ку́ю, -ку́ешь *несов. в чём* и *без доп. прост. шутл.* сал-пал тушунмоқ, унча-мунча билмоқ, ақли етмоқ; ~ **в те́хнике** техникага унча-мунча ақли етмоқ.

МАРА́Л *м* морол (Сибирь буғуси).

МАРА́Л/ИЙ, -ья, -ье моролга оид; морол...; ~**ьи рога́** морол шохи.

МАРА́ТЬ *несов. разг.* 1 (*сов.* **замара́ть, измара́ть**) *кого-что* ифлос қилмоқ, кир қилмоқ, кирга беламоқ, булғамоқ; ~ **пла́тье** кўйлакни кир қилмоқ, кирга беламоқ; 2 (*сов.* **вы́марать**) устидан чизиб ўчирмоқ, чизиб ташламоқ; 3 (*сов.* **замара́ть**) *перен.* бадном қилмоқ, иснод келтирмоқ, иснодга қўймоқ, доғ туширмоқ, булғамоқ; ~ **честь** шаънига доғ туширмоқ, иснод келтирмоқ; 4 бўлар-бўлмас (нўноқ) нарса ёзмоқ, чизмоқ; ажи-бужи қилиб бўямоқ; ~ **стихи́** бўлар-бўлмас (нўноқ) шеър ёзмоқ.

МАРА́ТЬСЯ *несов. разг.* 1 юқмоқ, унниқмоқ, кири, ранги, бўёғи юқиб (унниқиб) кир қилмоқ; **стена́ мара́ется** деворнинг ранги юқади; 2 (*сов.* **замара́ться, измара́ться**) кир бўлмоқ, кир олмоқ; **све́тлое пла́тье бы́стро мара́ется** ранги очиқ кўйлак тез кир бўлади; 3 (*сов.* **замара́ться**) *перен.* бадном бўлмоқ, иснодга қолмоқ, ўз номини булғамоқ; ўз номига, шаънига доғ туширмоқ, иснод келтирмоқ; **он не ста́нет ~ из-за э́того де́ла** бу иш учун у ўз номини булғамайди; 4 ёзилмоқ, бўшанмоқ; 5 *страд. от* **мара́ть.**

МАРАФО́НСКИЙ: ~ бег марафон югуриши (42 *км* 195 *м* га югуриш мусобақаси); ~ **запле́в** узоқ масофага сузиш.

МАРА́ШКА *ж, р. мн.* **-шек** *полигр.* марашка, доғ (босилган нарсага тушиб қолган доғ).

МАРГАНЕ́Ц *м, р.* **-нца** марганец (химиявий элемент).

МАРГАНЦЕВ/ЫЙ, -ая, -ое марганецга оид; марганецли; марганец...; ~**ое месторожде́ние** марганец кони; ~**ая руда́** марганец рудаси.

МАРГАНЦО́ВКА *ж разг.* марганцовка (калий перманганат кристаллари ёки эритмаси); *см.* **марганцовоки́слый.**

МАРГАНЦОВОКИ́СЛЫЙ: ~ **ка́лий** калий перманганат (тўқ бинафша рангли кристалл модда).

МАРГАНЦО́ВЫЙ, -ая, -ое таркибида калий перманганат бўлган; калий перманганати; ~ **раство́р** калий перманганат эритмаси, марганцовка.

МАРГАРИ́Н *м* маргарин.

МАРГАРИ́НОВЫЙ, -ая, -ое маргаринга оид; маргарин...; ~ **заво́д** маргарин заводи.

МАРГАРИ́ТКА *ж, р. мн.* **-ток** дасторгул.

МА́РЕВО *с* 1 сароб; 2 туман; ҳавонинг хиралиги.

МАРЕ́НА *ж* рўян (илдизидан қизил бўёқ олинадиган ўтсимон ўсимлик).

МАРЕ́НГО *с нескл* 1 маренго (оқ ип отилган қора газмол); 2 *в знач. неизм. прил.* оч қора, қорамтир; **костю́м ~** қорамтир костюм.

МАРЕНО́В/ЫЙ, -ая, -ое 1 рўянга оид, рўяндан олинган, рўян...; ~**ая кра́ска** рўян бўёғи, қизил бўёқ; 2 марена бўёғига (қизилга) бўялган; қизил.

МА́РИ *мн. нескл. (ед.* **ма́ри** *м* и *ж нескл.)* мари, марилар; *см.* **мари́йцы.**

МАРИЕ́Ц *м, р.* **-йца** мари; *см.* **мари́йцы.**

МАРИ́ЙКА *ж, р. мн.* **-е́к** мари аёл; *см.* **мари́йцы.**

МАРИ́ЙСКИЙ, -ая, -ое мариларга оид, марича; мари...; ~ **язы́к** мари тили.

МАРИ́ЙЦЫ *мн. (ед.* **мари́ец** *м,* **мари́йка** *ж)* марилар (Мари Автоном республикасининг асосий аҳолисини ташкил этган халқ).

www.ziyouz.com kutubxonasi

МАРИ́Н/А *ж* марина (денгиз манзараси тасвирланган расм); **~ы Айвазо́вского** Айвазовский мариналари.

МАРИНА́Д *м* 1 маринад, зираворли сирка-мой; **сельдь в ~е** маринадланган сельдь; маринадга (зираворли сирка-мойга) босилган сельдь. 2 *мн.* **~ы** маринадланган, маринадга (зираворли сирка-мойга) босилган озиқ-овқат (балиқ, сабзавот ва ш. к.).

МАРИНИ́СТ *м* маринист (денгиз манзараларини чизувчи рассом).

МАРИ́НКА *ж* қорабалиқ.

МАРИНО́ВАННЫЙ, -ая, -ое 1 *прич. от* **марнова́ть**; 2 *в знач. прил.* маринадланган, маринадга босилган; **~ая ры́ба** маринадланган балиқ.

МАРИНОВА́ТЬ, -ну́ю, -ну́ешь *несов. что* 1 (*сов.* **замарнова́ть**) маринадламоқ, маринадга (зираворли сирка-мойга) босмоқ; **~ грибы́** қўзиқоринларни маринадламоқ; 2 *перен. разг.* галга (пайсалга, сансалорликка) солмоқ, орқага судрамоқ, чўзмоқ; **~ де́ло** ишни чўзмоқ, орқага судрамоқ.

МАРИО́НЕТ/КА *ж, р. мн.* **-ток** 1 қўғирчоқ (ўйинчи қўғирчоқ); **теа́тр ~ ок** қўғирчоқ театри; 2 *перен.* қўғирчоқ, ўйинчоқ (бировнинг амри, сўзи билан иш қиладиган одам).

МАРИОНЕ́ТОЧН/ЫЙ, -ая, -ое 1 қўғирчоқ ўйнатадиган, қўғирчоқ...; **~ый теа́тр** қўғирчоқ театри; 2 *перен.* бировнинг амри, сўзи билан иш қиладиган, қўғирчоққа айланиб қолган, қўғирчоқ; **~ое прави́тельство** қўғирчоқ ҳукумат.

МАРИХУА́НА *ж* марихуана, наша.

МА́РК/А I *ж, р. мн.* **-рок** марка; **почто́вая ~а** почта маркаси; **ге́рбовая ~а** гербли марка; 2 марка, белги, тамға; **фабри́чная ~а** фабрика маркаси; 3 *уст.* марка, жетон (пул ўрнида ишлатиладиган шартли нарса); 4 марка, нав, хил, сорт; **но́вая ~а ста́ли** пўлатнинг янги маркаси (хили); **това́р вы́сшей ~и** олий нав мол; ✦ **высо́кой** (или **вы́сшей, пе́рвой**) **~и** уччига чиққан, бориб турган; **плут вы́сшей ~и** уччига чиққан муттаҳам; **держа́ть ~ у** обрў сақламоқ; **по́ртить ~у** обрўни туширмоқ, тўкмоқ, кеткизмоқ; **под ~ой** *чего* ...нинг ниқоби остида, номи билан.

МА́РКА II *ж, р. мн.* **-рок** марка (ГДР, ГФР ва Финляндияда пул бирлиги).

МАРКЁР I *м уст.* маркёр (бильярд ўйинида: ҳисоб олиб борувчи ва бильярдчиларга хизмат кўрсатувчи киши).

МАРКЁР II *м с.-х.* маркёр, хаткаш (эгат олиш, экин экиш учун режа чизиғи тортувчи асбоб).

МАРКИ́З *м* маркиз (баъзи Ғарбий Европа мамлакатларида: дворянлар унвони ва шу унвонга эга бўлган киши).

МАРКИ́ЗА I *ж* маркиза (маркизнинг хотини ёки қизи).

МАРКИ́ЗА II *ж* эшик (дераза) соябони.

МАРКИЗЕ́Т *м* маркизет.

МАРКИЗЕ́ТОВ/ЫЙ, -ая, -ое маркизетдан тикилган, маркизет; **~ое пла́тье** маркизет кўйлак.

МА́РК/ИЙ, -ая, -ое; -рок, -рка кир оладиган, тез кир бўладиган, кир кўтармайдиган; **~ий цвет** кир кўтармайдиган ранг; **~ое пла́тье** кир кўтармайдиган кўйлак.

МАРКИРОВА́ЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое маркалайдиган, белги қўядиган, тамға босадиган; маркалаш...; **~ая маши́на** маркалаш машинаси.

МАРКИРОВА́НИЕ I *с по гл.* **маркирова́ть I**; **~ изде́лий** буюмларни маркалаш, буюмларга белги қўйиш, тамға босиш.

МАРКИРОВА́НИЕ II *с по гл.* **маркирова́ть II.**

МАРКИРОВА́ТЬ I, -ру́ю, -ру́ешь *сов.* и *несов. что* маркаламоқ, белги қўймоқ, тамға босмоқ.

МАРКИРОВА́ТЬ II, -ру́ю, -ру́ешь *сов.* и *несов. что* *с.-х.* маркировкаламоқ, режа тортмоқ; экиш (ариқ олиш) учун белги солмоқ.

МАРКИРО́ВКА I *ж по гл.* **маркирова́ть I**; **~ гру́за** юкларни маркалаш, юкларга белги қўйиш, тамға босиш; 2 марка, белги, тамға.

МАРКИРО́ВКА II *ж по гл.* **маркирова́ть II.**

МАРКИРО́ВОЧНЫЙ, -ая, -ое *то же, что* **маркирова́льный.**

МАРКИРО́ВЩИК I *м* маркаловчи, белги қўювчи, тамға босувчи.

МАРКИРО́ВЩИК II *м с.-х.* маркировкаловчи (режа тортувчи) мослама.

МАРКИТА́НТ *м* маркитант (ўтмишда: қўшин билан бирга юриб озиқ-овқат моллари савдоси билан шуғулланган савдогар).

МАРКИТА́НТКА *ж, р. мн.* **-ток** *см.* **маркита́нт.**

МАРКИТАНТСК/ИЙ, -ая, -ое маркитантларга оид, маркитант...; **~ая пала́тка** маркитант палатқаси (дўкони).

МА́РКОСТЬ *ж* кир олиш, тез кир бўлиш, кир юқтириш, кир кўтармаслик, **~ ткани** газмолнинг кир олиши.

МАРКСИ́ЗМ *м* марксизм.

МАРКСИЗМ-ЛЕНИНИ́ЗМ *м* марксизм-ленинизм; **~ — идеоло́гия рабо́чего кла́сса и его́ коммунисти́ческой па́ртии** марксизм-ленинизм ишчилар синфи ва унинг коммунистик партиясининг идеологиясидир.

МАРКСИ́СТ *м* марксист, марксизм тарафдори.

МАРКСИ́СТКА *ж, р. мн.* **-ток** марксистка, марксист аёл.

МАРКСИСТСКИЙ, -ая, -ое марксизмга ва марксистларга оид; марксизм принципларига асосланган, марксистик, марксча; **~ диалекти́ческий ме́тод** марксча диалектик метод; **~ филосо́фский материали́зм** марксча фалсафий материализм; **~ подхо́д к явле́ниям жи́зни о́бщества** ижтимоий ҳаёт ҳодисаларига марксча ёндошиш.

МАРКСИСТСКО-ЛЕ́НИНСК/ИЙ, -ая, -ое марксизм-ленинизмга оид; марксизм-ленинизм принципларига асосланган, марксча-ленинча; марксизм-ленинизм...; **~ая тео́рия** марксизм-ленинизм назарияси; **~ая идеоло́гия** марксча-ленинча идеология.

МАРКШЕ́ЙДЕР *м* маркшейдер (конларни планга олиш ва улардан тўғри фойдаланиш бўйича мутахассис инженер, техник).

МА́РЛЕВЫЙ, -ая, -ое марлидан, шаша докадан қилинган; марли...; **~ бинт** марли бинт.

МА́РЛЯ *ж* марли, шаша дока.

МАРМЕЛА́Д *м* мармелад; **я́блочный ~** олма мармелади.

МАРМЕЛА́ДНЫЙ, -ая, -ое мармеладга оид; мармелад...; **~ цех** мармелад цехи.

МАРМОРА́ЦИЯ *ж по гл.* **мрамори́ровать**; **~ стен** деворларни мармарлаш; деворларга мармар тусини бериш.

МАРМОРИ́РОВАТЬ *сов.* и *несов. что то же, что* **мрамори́ровать.**

МАРОДЁР *м* 1 мародёр, кафандузд (уруш ҳаракатлари районидаги аҳолини ёки жанг майдонида ўлган ва яралар бўлганларни таловчи одам); **фаши́стские ~ы** фашист мародёрлар; 2 қимматфуруш савдогар, спекулянт.

МАРОДЁРКА *ж, р. мн.* **-рок** *разг. см.* **мародёр** 2.

МАРОДЁРСТВО *с* 1 мародёрлик, кафандуздлик; 2 таловчилик, қимматфурушлик.

МАРОДЁРСТВОВАТЬ *несов.* 1 мародёрлик (кафандуздлик) қилмоқ; 2 қиммат сотиб таламоқ, шилмоқ.

МАРОКЕ́Н *м* марокен (1 гул босилган саҳтиён чарм; 2 бир турли пишиқ ипак газлама).

МАРОКЕ́НОВ/ЫЙ, -ая, -ое марокендан қилинган; марокен...; **~ый переплёт** марокен муқова; **~ое пла́тье** марокен кўйлак.

МА́РОЧН/ЫЙ, -ая, -ое 1 марка 1 га оид; марка воситасида олиб бориладиган; **~ая систе́ма опла́ты** марка воситасида ҳақ тўлаш системаси; 2 маркали, навли, сортли; **~ые ви́на** маркали винолар; **~ая сталь** навли (сортли) пўлат.

МАРС I *м астр.* Марс, Мирриқ.

МАРС II *м мор.* марс (кема мачтаси тепасидаги кузатиш супачаси); **подня́ться на ~** марсга кўтарилмоқ (чиқмоқ).

МАРСЕЛЬЕ́ЗА *ж* марсельеза (1792 йили Франция буржуа революцияси даврида яратилган революцион қўшиқ, кейинчалик Франциянинг миллий гимни).

МАРСИА́НЕ *мн. (ед.* **марсиа́нин** *м,* **марсиа́нка** *ж)* марсликлар (Марсда яшайдиган деб фараз қилинган тирик мавжудотлар).

МАРСИА́НИН *м* марслик; *см.* **марсиа́не.**

МАРСИА́НКА *ж, р. мн.* **-нок** марслик аёл; *см.* **марсиа́не.**

www.ziyouz.com kutubxonasi

МАРТ *м* март.

МАРТЕ́Н *м то же, что* **марте́новская печь** *см.* **марте́новский.**

МАРТЕ́НОВСК/ИЙ, -ая, -ое; ~**ая печь** мартен печи (пўлат эритадиган печь); ~**ая сталь** мартен пўлати.

МАРТОВСКИ/Й, -ая, -ое март ойига оид, март ойида бўлган ёки бўладиган; март...; ~**е дни** март кунлари; ✦ ~**й кот** *шутл.* мов мушук.

МАРТЫ́ШКА *ж, р. мн.* **-шек** мартишка (макакалар жинсига мансуб, узун думли кичик маймун).

МАРТЫ́ШКИН: ~ **труд** беҳуда меҳнат.

МАРЦИПА́Н *м* марципан, мағиз хамир.

МАРЦИПА́ННЫ/Й, -ая, -ое марципандан (мағизли хамирдан) тайёрланган; мағизли; марципан...; ~**е конфе́ты** мағизли конфетлар.

МАРЦИПА́НОВЫЙ, -ая, -ое *то же, что* **марципа́нный.**

МАРШ I *м* 1 марш, юриш, қадам ташлаш (сафда); **форси́рованный** ~ тез юриш, жадал қадам ташлаб юриш; **церемониа́льный** ~ церемониал марш, маросим марши; 2 марш, поход; ҳарбий сафар; **трёхдне́вный** ~ уч кунлик марш (сафар, поход); **на** ~**е** маршда, походда, сафарларда; **идти́ в бой с** ~**а** саф тортиб боратуриб жангга кирмоқ; сафдан тўппа-тўғри жангга кирмоқ; ~**-парад** марш-парад; ~**-манёвр** марш-манёвр; 3 марш (сафда юриш учун ёзилган музика асари); **похо́дный** ~ юриш марши.

МАРШ II *межд.* 1 марш (ҳарбий команда); **ша́гом** ~**!** шагом марш!; қадамлаб юр!; 2 жўна!, кет!, йўқол!; ~ **отсю́да!** кет (йўқол) бу ердан!; **сейча́с же** ~ **домо́й!** ҳозироқ уйингга жўна!

МАРШ III *м* марш (зинанинг икки супа ёки қават ўртасидаги қисми); **подня́ться на два** ~**а** зинадан икки марш кўтарилмоқ.

МА́РШАЛ *м* маршал; **ма́ршал Сове́тского Сою́за** Совет Иттифоқи маршали; ~ **артилле́рии** артиллерия маршали; ~ **бронета́нковых войск** танк қўшинлари маршали.

МА́РШАЛЬСК/ИЙ, -ая, -ое маршал(лар)га оид; маршал...; маршаллик...; ~**ое зва́ние** маршаллик унвони; ~**ая звезда́** маршаллик юлдузи.

МА́РШЕВ/ЫЙ, -ая, -ое 1 марш I, 2, 3 га оид; марш...; ~**ый поря́док** марш (поход, ҳарбий сафар) тартиби; ~**ый ритм** марш ритми; 2 мадад учун ажратилган, сафарбар этилган; ~**ая ро́та** мадад учун ажратилган (сафарбар этилган) рота.

МА́РШИРОВАТЬ, -ру́ю, -ру́ешь *несов.* марш қилмоқ, марш қилиб (ҳарбийча қадам ташлаб) юрмоқ; ~ **колО́нной** колонна бўлиб юрмоқ, бормоқ.

МАРШИРО́ВКА *ж по гл.* **марширова́ть.**

МАРШИРО́ВОЧН/ЫЙ, -ая, -ое маршга, марш қилиб юришга оид; ~**ое уче́ние** марш машқи, марш қилиш машқи.

МАРШРУ́Т *м* 1 маршрут, босиб ўтиладиган йўл; қатнов йўл; ~ **авто́буса** автобус маршрути; ~ **перелёта** учиш (учиб ўтиш) маршрути; ~ **для путеше́ствия** саёҳат маршрути; **тури́стские** ~**ы** туристик маршрутлар; **вы́работать** ~ маршрут тузмоқ; 2 *то же, что* **маршру́тный по́езд** *см.* **маршру́тный.**

МАРШРУ́ТКА *ж, р. мн.* **-ток** *разг. то же, что* **маршру́тное такси** *см.* **маршру́тный.**

МАРШРУ́ТН/ЫЙ, -ая, -ое маршрутли; белгили маршрутда юрадиган, қатнайдиган; белгили маршрут бўйича ўтказиладиган; маршрут...; ~**ый указа́тель** маршрут кўрсаткичи; ~**ое такси** маршрутли такси; бир маршрутда юрадиган такси; ~**ый по́езд** *ж.-д.* маршрут поезд (белгиланган манзилгача юки ва состави ўзгармайдиган товарний поезд); ~**ые перево́зки** маршрут поездларда юк ташиш; ~**ая съёмка** маршрут бўйлаб (йўл ёқалаб) планга олиш ва шу тариқа олинган план.

МАСК/А *ж, р. мн.* **-сок** 1 маска, ниқоб; ~**а медве́дя** айиқ қиёфасидаги маска; **на карнава́л все пришли́ в** ~**ах** карнавалга ҳамма маскада (маска, ниқоб кийиб) келди; 2 маска (ниқоб) кийган киши; маскали, ниқобли одам; **вокру́г ёлки кружи́лись** ~**и** арча атрофида маскалилар айланишарди; 3 *перен.* ясама қиёфа, сохта кўриниш; ~**а равноду́шия** сохта бепарволик; ўзини гўё парвойига ҳам келтирмагандек қилиб кўрсатиш; 4 маска (марҳумнинг юзидан олинган гипс тасвир); 5 маска (ҳимояловчи ниқоб); **противога́зовая** ~**а** газниқоб; **фехтова́льная** ~**а** қиличбозлик маскаси; 6 маска (юзга суртилган нарса қатлами); **яи́чная** ~ тухум маска; ✦ **наде́ть (на себя́)** ~**у** ўз қиёфасини ниқобламоқ(ўзгартирмоқ, яширмоқ); бошқача тус олмоқ; **носи́ть** ~**у** ниқоб остида юрмоқ; ўзини (ўз қиёфасини) бошқача қилиб кўрсатмоқ; **сбро́сить (с себя́)** ~**у** (ўз юзидан) ниқобини олиб ташламоқ, ўзининг ҳақиқий башарасини (ким эканлигини) кўрсатмоқ; **сорва́ть** ~**у** *с кого* (кимсанинг юзидан) ниқобини олиб ташламоқ, ҳақиқий башарасини (ким эканлигини) кўрсатмоқ, фош қилмоқ.

МАСКАРА́Д *м* 1 маскарад; **бал-**~ бал-маскарад; 2 *перен.* ниқобланиш, ясама тус олиш, ўзини бошқача қилиб кўрсатиш, алдамчилик, мунофиқлик; **всё э́то** ~ буларнинг ҳаммаси алдамчилик.

МАСКАРА́ДНЫЙ, -ая, -ое маскарадга оид, маскарад учун белгиланган; маскарад...; ~ **костю́м** маскарад костюми.

МАСКИРОВА́ТЬ, -ру́ю, -ру́ешь *несов.* (*сов.* **замаскирова́ть**) 1 *кого* ниқобламоқ, маска (ёки маскарад кийими) кийдириб бирор тусга киритмоқ; ~ **де́дом-моро́зом** ниқоблаб қорбобо тусига киритмоқ; 2 *кого-что* маскировкаламоқ, маскировка қилмоқ, душман кўзидан яширмоқ; пана қилмоқ; ~ **о́кна** деразаларни маскировкаламоқ (мас., қора парда тутиб); ~ **ору́дия** қуролларни маскировка қилмоқ; 3 *перен. что* яширмоқ, бекитмоқ, пардаламоқ, ниқобламоқ; ~ **своё смуще́ние** ўз хижолатини яширмоқ, билинтирмасликка уринмоқ; ~ **свои́ наме́рения** ўз ниятларини яширмоқ.

МАСКИРОВА́ТЬСЯ, -ру́юсь, -ру́ешься *несов.* (*сов.* **замаскирова́ться**) 1 ниқобланмоқ; маска (ёки маскарад кийими) кийиб бирор тусга кирмоқ; ~ **за́йчиком** ниқобланиб қуён тусига кирмоқ; 2 маскировкаланмоқ, маскировка қилиб сақланмоқ, душман кўзидан яширинмоқ, паналанмоқ; ~ **от возду́шного нападе́ния** ҳаво ҳужумидан яширинмоқ; 3 *перен.* ниқобланмоқ, ясама тус олмоқ, ўз қиёфасини (ниятини ва ҳ. к.) яширмоқ, бошқача қилиб кўрсатмоқ, алдамоқ, мунофиқлик қилмоқ; **он не уме́ет хитри́ть и** ~ у мунғомбирликни ва алдашни билмайди; 4 *страд. от* **маскирова́ть.**

МАСКИРО́ВК/А *ж* 1 *по гл.* **маскирова́ть** 2, 3 и **маскирова́ться** 2, 3; ~**а вое́нных объе́ктов** ҳарбий объектларни маскировкалаш; ~**а свои́х наме́рений** ўз ниятларини яшириш; 2 маскировка (душман кўзидан яшириш, яширинши учун қўлланиладиган воситалар мажмуи); **снять** ~**у** маскировкани олиб ташламоқ; **сквозь што́ру** ~**и пробива́лся свет** маскировка пардалари орқали ёруғлик тушиб турар эди.

МАСКИРОВО́ЧНЫ/Й, -ая, -ое маскировка учун белгиланган; маскировка...; ~**й халА́т** маскировка халати.

МАСЛЕ́НИЦА *ж* масленица (қишни кузатиш байрами); **широ́кая** ~ масленишанинг охирги ҳафтаси; **не жизнь, а** ~ ҳаётмисан, ҳаёт; қозон ҳам мой, чўмич ҳам мой; сен же, мен же, қолганини томга ташла; **не всё кото́ву** ~ *посл.* бугун бундай, эртага ундай; борида чора-чора, йўғида банда бечора.

МАСЛЕ́НИЧНЫ/Й, -ая, -ое масленицада бўладиган; масленица...; ~**е заба́вы** масленица ўйин-кулгилари.

МАСЛЁНК/А *ж, р. мн.* **-нок** 1 мой идиш; **положи́ть ма́сла в** ~**у** ёғни мой идишга қуйиб қўймоқ; 2 *тех.* маслёнка, мойдон (машина, механизм ва ш. к. да).

МАСЛЁНОК *м, р.* **-нка**, *мн.* **-ля́та** маслёнок (ейишли замбуруғ тури).

МА́СЛЕН/ЫЙ, -ая, -ое 1 ёғли, серёғ; ёғ суртилган; ~**ый блин** ёғли блин; 2 ёғ (мой) теккан, юққан, мойли, мой; ~**ые ру́ки** мой қўллар; 3 *перен.* хушомадли, ялинчоқ, ёлворувчан; ~**ый го́лос** хушомадли овоз; 4 *перен.* эҳтиросли, хумор; ~**ый взгляд** эҳтиросли нигоҳ; ~**ые глаза́** хумор кўзлар; ✦ ~**ая неде́ля** *то же, что* **ма́сленица.**

МАСЛИ́НА *ж* зайтун (дарахти ва меваси).

МАСЛИ́ННЫЙ, -ая, -ое *то же, что* **масли́новый.**

МАСЛИ́НОВ/ЫЙ, -ая, -ое 1 зайтун дарахтига ва мевасига оид; зайтун...; ~**ые ко́сточки** зайтун данаги; ~**ая ро́щa** зайтунзор; 2 *в знач. сущ.* ~**ые** *мн. бот.* зайтундошлар.

МА́СЛИТЬ *несов.* (*сов.* **нама́слить**) *что* ёғламоқ, мойламоқ, ёғ (мой) солмоқ; ёғ (мой) суртмоқ; ~ **ка́шу** кашага ёғ (мой) солмоқ; ~ **хлеб** нонга ёғ суртмоқ.

www.ziyouz.com kutubxonasi

МАСЛИТЬСЯ, **-ится** *несов.* 1 юқиб доғ қилмоқ, мойи юқмоқ; **замáзка ~ся** замазканинг мойи юқади; замазка доғ қилади; 2 йилтирамоқ; чақнаб турмоқ (бет, кўз ҳақида); 3 *страд. от* **мáслить**.

МАСЛИЧНЫЙ, **-ая**, **-ое** ёғли, мойли; ёғ (мой) берадиган; **~е культýры** мойли (мой берадиган) ўсимликлар.

МАСЛИЧН/ЫЙ, **-ая**, **-ое** 1 *то же, что* **маслúновый** I; **~ые я́годы** зайтун меваси; **~ое дéрево** зайтун дарахти; 2 *в знач. сущ.* **~ые** *мн. бот. то же, что* **маслúновые**.

МАСЛ/О *с, мн.* **-á**, *р.* **мáсел** 1 мой, ёғ; **растúтельное ~о** ўсимлик мойи; **слúвочное ~о** сариёғ, маска ёғ; **смáзочные ~á** сурков мойлари; 2 сариёғ; **бить ~о** мой кувламоқ, кув пишмоқ; **есть хлеб с ~ом** нонни сариёғ (ёғ) билан емоқ; **~ом кáшу не испóртишь** *посл.* нур аъло нур, нур устига нур, яна яхши бўлади (*л. м.* кашага ёғ қўшган билан бузилмайди); 3 мойбўёқ, мойбўёқ билан ишланган расм; **писáть ~ом** мойбўёқ билан расм ишламоқ; ✦ **~о мáсляное** бемаъни қайтариқ(лар); **подлúть ~а в огóнь** ўтга керосин қуймоқ, гижгижламоқ; **подёрнуться ~ом** хумор бўлмоқ (кўз ҳақида); **кýкиш с ~ом получúть** (или **дать**) *см.* **кýкиш; как по ~у** ёғдек силлиқ, равон; **как сыр в ~е катáться** мўл-кўлчиликда яшамоқ, нонни ёғ билан емоқ; егани олдида, емагани кетида бўлмоқ; **ерундá на пóстном ~е** *см.* **пóстный**.

МАСЛОБОЙКА *ж, р. мн.* **-óек** 1 мойжувоз; кув; 2 *то же, что* **маслобóйня**.

МАСЛОБОЙН/ЫЙ, **-ая**, **-ое** ёғ (мой) ишлаб чиқарадиган; **~ое предприя́тие** мой ишлаб чиқариладиган корхона; жувозхона, мойжувоз; **~ый завóд** ёғ заводи; **~ый аппарáт** ёғ чиқарадиган аппарат; кув.

МАСЛОБОЙНЯ *ж, р. мн.* **-óен** жувозхона; ёғ заводи.

МАСЛОДЕЛ *м* ёғ (мой) ишлаб чиқарадиган корхона (жувозхона) ишчиси; ёғ (мой) ишлаб чиқарувчи; жувозкаш.

МАСЛОДЕ́ЛИЕ *с* 1 ёғ (мой) ишлаб чиқариш; 2 ёғ (мой) ишлаб чиқариш саноати.

МАСЛОДЕ́ЛЬН/ЫЙ, **-ая**, **-ое** ёғ (мой) ишлаб чиқарадиган; ёғ (мой) ишлаб чиқариш...; **~ое произвóдство** ёғ (мой) ишлаб чиқариш; **~ый завóд** ёғ заводи.

МАСЛОЗАВОД *м* ёғ (мой) заводи.

МАСЛЯНИСТОСТЬ *ж* ёғлилик даражаси, серёғлик; ёғининг кўплиги; **~ семя́н хлопчáтника** чигитнинг ёғлилик даражаси (ёғлилиги).

МАСЛЯНИСТ/ЫЙ, **-ая**, **-ое** 1 ёғли, серёғ, ёғи кўп; **~ая жúдкость** ёғли суюқлик; 2 ёғ (мой) сингдирилган, ёғли; йилтироқ; **~ая бумáга** ёғли қоғоз; 3 йилтироқ; чақнаб турадиган (бет, кўз ҳақида).

МАСЛЯН/ЫЙ, **-ая**, **-ое** 1 ёғ (мой)га оид; ёғли, мойли; ёғ...; мой...; **~ое пятнó** ёғ доғ; **~ые крáски** мойбўёқ; 2 мойбўёқ билан ишланган; **~ый портрéт** мойбўёқ билан ишланган портрет; 3 *тех.* мойли, мой воситасида ишлайдиган; **~ый выключáтель** мойли виключатель.

МАСОН *м* масон (масонлик оқимининг тарафдори, масонлар ташкилотининг аъзоси).

МАСОНСТВО *с* масонлик, масонлар (18-асрда пайдо бўлган диний-фалсафий оқим; унинг тарафдорлари ахлоқни камолотга етказиш вазифасини қўйган, лекин снёсатда реакцион йўл тутган).

МАСС/А *ж* 1 *физ.* масса (механиканинг асосий катталикларидан бири — жисмдаги модда миқдорини ва унинг инерциясини белгилайди); **единúца ~ы** масса бирлиги; 2 *хамирсимон модда, бўтқа, масса*; **древéсная ~а** ёғоч бўтқаси (массаси); **расплáвленная ~а чугунá** эритилган (эриган) чўян массаси; эритилган (эриган) чўян; **сыркóвая ~** сир массаси; 3 *перен.* қора, шарпа; **тёмная ~а здáния** бинонинг қорайиб кўринган шарпаси; 4 *чего* жуда кўп, анча, бирталай; **~а нарóду** жуда кўп одам; бир талай одам; **~а пы́ли** анча чанг; **трáтить ~у сил** жуда кўп куч сарф қилмоқ; **основна́я ~а** асосий қисм; асосий кўпчилик; 5 *омма*; кенг халқ оммаси; **вóля ~** омманинг истаги (иродаси, хоҳиши); **неразры́вная связь с ~ами** омма билан мустаҳкам алоқа; ✦ **в (óбщей) ~е** асосан, аксар; кўпчилик эътибори билан.

МАССАЖ *м* массаж, силаш, уқалаш; **~ лицá** юз массажи; юзни массаж қилиш (силаш, уқалаш); **лечúть ~ем** массаж билан (силаб, уқалаб) даволамоқ.

МАССАЖИСТ *м* массажист, массажчи; ходимгар (ҳаммомларда).

МАССАЖИСТКА *ж, р. мн.* **-ток** массажистка, массажчи аёл.

МАССАЖН/ЫЙ, **-ая**, **-ое** массажга оид; массаж учун белгиланган; массаж...; **~ые приёмы** массаж усуллари; **~ая щётка** массаж чўткаси.

МАССИВ *м* 1 массив, кенг тоғли жой; **гóрные ~ы** тоғ массивлари, кенг тоғли жойлар; 2 *чего* или *какой* массив; (хусусиятлари, кўриниши) бир хил кенг, яхлит жой; **торфяно́й ~** торф массиви, кенг торф майдони; **~ы колхóзных полéй** кенг колхоз ерлари; **жило́й ~** турар-жой массиви.

МАССИ́ВНОСТЬ *ж* катталик, оғирлик, зиллик, салмоқдорлик.

МАССИ́ВН/ЫЙ, **-ая**, **-ое**; **-вен**, **-вна** 1 катта, оғир, зил, салмоқли, салмоқдор; **~ый пáмятник** катта ёдгорлик; **~ая мéбель** вазмин мебель; 2 катта, йирик; вазмин; **~ая фигýра** вазмин гавда.

МАССИ́РОВАННЫЙ, **-ая**, **-ое** *воен.* 1 *прич. от* **масси́ровать** II; 2 *в знач. прил.* ғуж, бир ерга тўпланган, ёпирилган; **~ налёт авиáции** авиациянинг (самолётларнинг) ёпирилма ҳужуми; **~ огóнь артилле́рии** артиллериянинг бир ерга ғуж ўқ узиши, бир ерни ёпирилиб ўққа тутиши.

МАССИ́РОВАТЬ I *несов. кого-что* массаж қилмоқ, силамоқ, уқаламоқ; **~ рáненому рýку** ярадорнинг қўлини силамоқ.

МАССИ́РОВАТЬ II *сов.* и *несов. кого-что воен.* ғужламоқ, бир ерга тўпламоқ, ёпирилтирмоқ; **~ огóнь** бир ерни ёпирилиб ўққа тутмоқ; **~ артилле́рию** артиллерияни бир ерга тўпламоқ, ғужламоқ.

МАССИ́РОВАТЬСЯ I *несов.* 1 *разг.* ўзига ўзи массаж қилмоқ; 2 *страд. от* **масси́ровать** I.

МАССИ́РОВАТЬСЯ II *сов.* и *несов. воен.* ғужланмоқ, бир ерга тўпланмоқ, ёпирилмоқ.

МАССИ́РОВКА *ж воен. по гл.* **масси́ровать** II и **масси́роваться** II; **~ авиáции** авиацияни бир ерга ғужлаш, ёпиритириш; авиациянинг ёпирилиб бир ерга ҳужум қилиши; **~ артиллери́йского огня́** артилерияни бир ерга тўплаш (ғужлаш); артиллериянинг ёпирилиб бир ерни ўққа тутиши.

МАССОВИК *м, р.* **-á** массовик (оммавий ўйинлар ташкилотчиси).

МАССОВИЧКА *ж, р. мн.* **-чек** *разг. см.* **массови́к**.

МАССОВК/А *ж, р. мн.* **-вок** *разг.* 1 *ист.* массовка (революциядан илгариги Россияда: ишчиларнинг кичик йиғилиши, митинги); 2 оммавий сайр, экскурсия; 3 оммавий саҳна (кинода, театрда); **актёр зáнят в ~е** актёр оммавий саҳнада банд.

МАССОВОСТЬ *ж* оммавийлик; **~ спóрта** спортнинг оммавийлиги.

МАССОВ/ЫЙ, **-ая**, **-ое** 1 оммавий, кенг халқ оммасига оид, хос бўлган; **~ый геройзм сове́тских во́инов** совет жангчиларининг оммавий қаҳрамонлиги; **~ое движе́ние** оммавий ҳаракат; 2 оммавий, омма (кўп одам) иштирокидаги; **~ые сце́ны в спекта́кле** спектаклда(ги) оммавий саҳналар; **~ые и́гры** оммавий ўйинлар; 3 кўплаб ишлаб чиқариладиган, ялпи; **~ый вы́пуск това́ров** кўплаб товар ишлаб чиқариш; **~ое произво́дство** кўплаб ишлаб чиқариш; 4 оммага, кўпчиликка аталган, оммавий, оммабоп; **~ые пе́сни** оммавий қўшиқлар; **това́ры ~ого потребле́ния** оммабоп истеъмол моллари; 5 оммага, кўпчиликка мансуб бўлган, оддий; **~ чита́тель** оддий ўқувчи; **~ зри́тель** оддий томошабин.

МАСТАК *м, р.* **-á** *прост.* ишни дўндирадиган (ўрнига қўядиган) одам, уста, омил; **в э́том де́ле он ~** бунга у жуда уста; буни у дўндиради; **он ~ спо́рить** баҳслашишга у жуда уста.

МАСТЕР *м, мн.* **-á** 1 мастер (корхоналарда кичик участка бошлиғи); **сме́нный ~** смена мастери; **~ сбо́рочного це́ха** йиғув цехининг мастери; 2 мастер, уста, омилкор; **~ своего́ де́ла** ўз ишининг устаси; ўз ишига омилкор одам; **часовы́х дел ~ соатсоз уста**; **золоты́х дел ~** заргар; **де́ло**

www.ziyouz.com kutubxonasi

~а бо́ится *посл.* иш эгасидан (устасидан) қўрқади; чумчуқ сўйса ҳам қассоб сўйсин; **3** *чего* мастер, уста; мутахассис; **~а́ иску́сств** санъат усталари; **~ пчелово́дства** асаларичилик мутахассиси; **~а́ высо́ких урожа́ев хло́пка** пахтадан мўл ҳосил етиштириш усталари; **~ на все ру́ки** қўли гул одам, ҳамма ишга моҳир, билмаган иши йўқ одам; **4** мастер (спортчиларга бериладиган унвон); **~ спо́рта** спорт мастери; **5** *на что* и *с неопр.* уста (дўндирадиган, ўрнига қўядиган) одам; **~ на вы́думки** ўйлаб чиқаришга уста одам; **~ расска́зывать** ҳикояга уста одам.

МАСТЕРИ́ТЬ *несов.* (*сов.* **смастери́ть**) *что разг.* ясамоқ, қўлда сўкмоқ, қўлбола қилиб ясаб олмоқ, ясаб бермоқ; **~ себе́ сто́лик** столча ясаб олмоқ; **~ де́тям игру́шки** болаларга ўйинчоқ ясаб бермоқ.

МАСТЕРИЦА *ж* **1** мутахассис аёл, уста аёл; чевар; **2** *на что* и *с неопр. разг.* ишни дўндирадиган, ўрнига қўядиган аёл; **~ плеса́ть** ўйинга уста аёл.

МАСТЕРОВО́Й *м, р.* **-о́го** *уст.* мастеровой, ишчи; ҳунарманд.

МАСТЕРО́К *м, р.* **-рка́** белча (сувоқчи белчаси).

МАСТЕРСК/А́Я *ж, р.* **-о́й 1** устахона, ишхона; мастерской; **столя́рная ~а́я** дурадгор(лик) ишхонаси; **~а́я скульпто́ра** скульптор (ҳайкалтарош) ишхонаси; **похо́дная ~а́я** кўчма ишхона; **2** мастерской (цех бўлаги); **инструмента́льная ~а́я** асбобсозлик мастерскойи; **3** *мн.* **~и́е** (ремонт) устахонаси, корхонаси; **железнодоро́жные ~и́е** темир йўл устахонаси(устахоналари).

МАСТЕРСКИ́ *нареч.* маҳорат билан, усталик билан, моҳирона, санъаткорона; **~ де́лать** *что-л.* маҳорат билан бажармоқ (қилмоқ; ишламоқ, ясамоқ).

МАСТЕРСКИ́Й, -ая, -ое мастерга оид, қарашли; мастерларга хос бўлган.

МАСТЕРСКО́/Й, -а́я, -о́е маҳорат билан бажарилган, усталик билан қилинган (ишланган, ясалган); моҳирона, санъаткорона; **~е исполне́ние наро́дных пе́сен** халқ ашулаларини моҳирона (маҳорат билан) ижро этиш.

МАСТЕ́РСТВ/О *с* **1** касб, ҳунар; ҳунармандлик; **столя́рное ~о́** дурадгорлик касби, дурадгорлик; **обуча́ться ~у́** касб ўрганмоқ; **2** маҳорат, санъат, усталик; моҳирлик; **актёрское ~о́** актёрлик маҳорати; **де́лать** *что-л.* **с большо́й ~о́м** бирор ишни катта маҳорат билан бажармоқ.

МАСТИ́К/А *ж* **1** мастика (мумсимон модда, замазка); **ку́кла из ~и** мастикадан қилинган қўғирчоқ; **2** мастика, пол бўёқ; **натира́ть пол ~ой** полга мастика суриб ишқаламоқ; **3** хушбўй смола, мастика.

МАСТИ́КОВ/ЫЙ, -ая, -ое мастикадан қилинган; мастика...; **~ая смола́** хушбўй смола, мастика; **~ая статуэ́тка** мастикадан ишланган ҳайкалча.

МАСТИ́СТЫЙ, -ая, -ое ранги (туси) тоза, айнимаган (от ҳақида).

МАСТИ́Т *м мед.* мастит (кўкрак безларининг яллиғланиши).

МАСТИ́ТЫЙ, -ая, -ое эътибор қозонган, мўътабар, кекса; **~ста́рец** мўътабар чол; **~ учёный** эътибор қозонган олим.

МАСТИ́ЧН/ЫЙ, -ая, -ое мастикадан қилинган; мастика...; **~ое произво́дство** мастика ишлаб чиқариш; мастика саноати; **~ые игру́шки** мастикадан ясалган ўйинчоқлар.

МАСТОДО́НТ *м* **1** мастодонт (қадимда яшаган, тухуми қуриб кетган катта филсимон ҳайвон); **2** *перен.* бесўнақай катта одам.

МАСТ/Ь *ж, р. мн.* **-те́й 1** ранг, тус (асосан от туси ҳақида); **ло́шадь гнедо́й ~и** тўриқ от; **2** карта тури; **бубно́вая ~ь** ғиштин; **ходи́ть в ~ь** мос юрмоқ, мос тушмоқ; **у меня́ э́той ~и нет** менда бундай карта йўқ; ✦ **всех** (или **люби́х, ра́зных** и т. п.) **~е́й** *неодобр.* ҳамма тури, ҳамма тоифаси; **оппортуни́сты всех ~е́й** оппортунистларнинг ҳамма тоифаси.

МАСШТАБ *м* **1** масштаб; **~ 25 киломе́тров в сантиме́тре** масштаб бир сантиметрда 25 километр; **2** *перен.* миқёс; кўлам; **в мирово́м ~е** дунё миқёсида; **широ́кий ~ стройте́льных рабо́т** қурилиш ишларининг кенг кўлами.

МАСШТА́БНОСТЬ *с* миқёсининг катталиги, кўламнинг кенглиги, кенг кўламлилик, кўламдорлик; **~ за́мыслов ўйфикр (ёки ният-мақсадлар) кўламининг кенглиги; ~ стройте́льных рабо́т** қурилиш ишлари кўламининг кенглиги, кўламлилиги.

МАСШТА́БН/ЫЙ, -ая, -ое 1 масштабга оид; масштаб...; **~ая лине́йка** масштаб линейкаси; **2** *перен.* катта миқёсдаги, кенг кўламдаги; миқёси катта, кўлами кенг, кўламли, кўламдор; **~ое сооруже́ние** кўламдор иншоот.

МАТ I *шахм.* **1** мот; **объяви́ть ~** мот қилмоқ; **получи́ть ~** мот бўлмоқ; **сде́лать ~ в три хо́да** уч юришда мот қилмоқ; **2** *перен. кому-чему прост.* ноилож аҳвол, ноиложлик, чорасизлик.

МАТ II *м* бўйра, бордон, чипта, тўшак каби нарсаларнинг умумий номи.

МАТ III *м спец.* хира кўриниш берадиган ғадир-будурлик, хиралик; **нанести́ ~ на стекло́** шишани (ойнани) хираламоқ.

МАТ IV *м:* **реве́ть (крича́ть, ора́ть) благи́м ~ом** *прост.* бор овоз билан қичқирмоқ, бақирмоқ.

МАТ V *м* беадаб (пештахам, коски) сўкиш ибораси; онангнилаб сўкиш.

МАТАДО́Р *м* матадор (буқага ҳалокатли зарба берувчи тореадор).

МАТЕМАТИЗАЦИ/Я *ж* математикалаштириш, математика асосига қуриш; математика методларини жорий қилиш; **пробле́мы ~и зна́ний** билимларни математикалаштириш проблемалари; **~я гуманита́рных нау́к** гуманитар фанларни математикалаштириш.

МАТЕМА́ТИК *м* матема́тик, математика олими, мутахассиси

МАТЕМА́ТИКА *ж* математика; **вы́сшая ~** олий математика; **прикладна́я ~** татбиқий, амалий математика.

МАТЕМАТИ́ЧЕСК/ИЙ, -ая, -ое 1 математикага оид, математик; математика...; **~ая зада́ча** математик масала; **~ий факульте́т** математика факультети; **2** *перен.* аниқ, равшан, ўткир; **~ий ум** ўткир ақл.

МАТЕРИА́Л *м* **1** материал; **строи́тельный ~** қурилиш материали; **перевя́зочный ~** ярани боғлаш учун ишлатиладиган материал; яра боғлаш материали; **2** *перен.* материал, маълумот; **~ы для иссле́дования** тадқиқот учун материаллар; **~ для биогра́фии писа́теля** ёзувчи биографиясига оид материал; **3** *мн.* **~ы** материал(лар), ҳужжат(лар); **~ы суде́бного де́ла** суд ишига оид материаллар; **4** материал, газлама, газмол; **~ для костю́ма** костюмли материал, костюмбоп материал; **шерстяно́й ~** жун газлама.

МАТЕРИАЛИ́ЗМ *м* материализм; **диалекти́ческий ~** диалектик материализм; **истори́ческий ~** тарихий материализм.

МАТЕРИАЛИЗОВА́ТЬ, -зу́ю, -зу́ешь *сов.* и *несов. что* моддийлаштирмоқ, мужассамлантирмоқ, моддий тус бермоқ, сезиладиган қилмоқ.

МАТЕРИАЛИЗОВА́ТЬСЯ, -зу́ется 1 *сов.* и *несов.* моддийлашмоқ, мужассамланмоқ, моддий тус олмоқ, сезиладиган бўлмоқ; **2** *несов. страд. от* **материализова́ть.**

МАТЕРИАЛИ́СТ *м* **1** материалист, материализм тарафдори, издоши; **2** манфаатпараст, ўз манфаатини кўзлаб иш тутувчи одам.

МАТЕРИАЛИСТИ́ЧЕСК/ИЙ, -ая, -ое материалистик, материализм принципларига асосланган, материализм руҳидаги; **~ая филосо́фия** материалистик философия; **~ое понима́ние явле́ний приро́ды** табиат ҳодисаларини материализм нуқтаи назаридан тушуниш.

МАТЕРИАЛИСТИ́ЧНЫ/Й, -ая, -ое; чен, -чна *уст.* манфаатпараст, ўз манфаатини кўзлаб иш тутувчи; **~й челове́к** манфаатпараст одам; **~е взгля́ды** манфаатпарастлик қарашлар.

МАТЕРИАЛОВЕ́Д *м* материалшунос.

МАТЕРИАЛОВЕ́ДЕНИЕ *с* материалшунослик.

МАТЕРИАЛОВЕДЧЕ́СКИЙ, -ая, -ое материалшуносликка оид; материалшунослик...

МАТЕРИА́ЛЬНО *нареч.* моддий жиҳатдан; **~ заинтересо́ванный** моддий жиҳатдан манфаатдор бўлган; **~ обеспе́ченный** моддий жиҳатдан таъмин этилган; моддий таъминоти яхши, бадастур.

МАТЕРИА́ЛЬНОСТЬ *ж* **моддийлик; ~ ми́ра** дунёнинг моддийлиги.

www.ziyouz.com kutubxonasi

МАТЕРИАЛЬНО-ТЕХНИЧЕСК/ИЙ, -ая, -ое моддий-техника...; **~ая ба́за коммуни́зма** коммунизмнинг моддий-техника базаси; **~ие ресу́рсы** моддий-техника ресурслари.

МАТЕРИА́ЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое; -лен, -льна 1 моддий, объектив равишда мавжуд бўлган, реал; **~ый мир** моддий дунё; 2 моддий, материал(лар)...; **~ый склад** материаллар склади; 3 моддий, мулкий; **~ая по́мощь** моддий ёрдам; **~ое положе́ние** моддий аҳвол; **подъём ~ого благосостоя́ния наро́да** халқнинг фаровонлигини ошириш, халқ фаровонлигининг ошуви; **~ая заинтересо́ванность** моддий манфаатдорлик; ✦ **~ая часть** *спец.* техника воситалари ва асбоб-ускуналар; **~ая часть винто́вки** винтовка қисмлари.

МАТЕ́РИК *м, р.* **-а́** материк, қитъа; **Африка́нский ~** Африка қитъаси.

МАТЕ́РИКОВЫЙ, -ая, -ое материкка, қитъага оид; материк...; қитъа...

МАТЕ́РИН, -а, -о *разг.* онага тегишли, онаники; **~ пла́ток** онамнинг рўмоли; онасининг рўмоли.

МАТЕРИ́НСК/ИЙ, -ая, -ое 1 онага тегишли, онаники; **~ая ю́бка** онамнинг юбкаси; онасининг юбкаси; **~ое молоко́** она сути; 2 оналарга хос бўлган; оналарча; оналик...; **~ая любо́вь** она меҳри, оналик муҳаббати; **~ая забо́та** оналарча ғамхўрлик, она ғамхўрлиги; 3 *то же, что* **ма́точный** 3.

МАТЕРИ́НСТВ/О *с* 1 оналик (аёлларнинг ҳомиладорлик, туғиш ва бола эмизиш давридаги ҳолати); **охра́на ~а и младе́нчества** оналик ва болаликни сақлаш; 2 оналик, оналарга хос меҳр-муҳаббат; **чу́вство ~а** оналик туйғуси.

МАТЕ́РИ/Я *м* 1 *филос.* материя (киши онгидан ташқарида ва унга боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуд бўлган объектив реаллик); 2 материя, модда; **строе́ние ~и** моддаларнинг тузилиши; 3 *разг.* материал, газлама, газмол, мато; 4 *перен. разг.* мавзу; гап; **говори́ть о высо́ких ~ях** катта мавзуларда гапирмоқ; осмондаги гапларни гапирмоқ.

МАТЕРН/ЫЙ, -ая, -ое *прост.*: **~ая брань** *то же, что* **мат** V.

МАТЕРО́Й, -а́я, -о́е *то же, что* **матёрый** 1.

МАТЁРЫЙ, -ая, -ое 1 етилган, катта; **~ волк** катта бўри; 2 *перен. разг.* муккасидан кетган, эзиб ичган; уста; 3 *перен.* ўтакетган, уччига чиққан, ашадди; **~ враг** ашадди душман; **~ бюрократ** уччига чиққан бюрократ.

МАТЕ́РЧАТ/ЫЙ, -ая, -ое материядан (матодан) қилинган; мато...; **~е ту́фли** мато туфли.

МА́ТИЦА *ж спец.* тўсин; хари.

МА́ТКА *ж, р. мн.* **-ток** 1 *анат.* бачадон; 2 урғочи ҳайвон, мода, она; **оле́нья ~** урғочи буғу; **пчели́ная ~** она асалари, асаларининг подшоси; 3 онабоши (болаларнинг ўйинларида); 4 *прост.* она; буви; 5 *мор.* матка (портдаги кемаларга хизмат кўрсатувчи ёрдамчи кема); **су́дно-~** матка кема, ёрдамчи кема.

МА́ТОВ/ЫЙ I, -ая, -ое *шахм.* мотга олиб келадиган; мот...; **~ое положе́ние** мот ҳолати.

МА́ТОВ/ЫЙ II, -ая, -ое 1 жилосиз, нурсиз, ялтирамайдиган; **~ая фотобума́га** жилосиз фотоқоғоз; **~ая ко́жа ли́ца** нурсиз юз; 2 хира, кучсиз; **ме́сяц обли́вал зе́млю ~ым бле́ском** ой ерга хира нур сочиб турар эди; 2 хира, тиниқмас; **~ое стекло́** хира ойна.

МА́ТОЧНИК *м* 1 она асалари уяси (асалари қутисида); 2 *с.-х.* урғочи моллар боқиладиган молхона; 3 *с.-х.* урғочи молларга қаровчи ходим; 4 *бот.* туп, пархиш қилинган (қилинадиган) туп; 5 *бот.* тугунча.

МА́ТОЧН/ЫЙ, -ая, -ое 1 бачадонга оид; бачадонда содир бўладиган; **~ое кровотече́ние** бачадондан қон кетиши; 2 урғочи молга оид; урғочи моллар...; **~ое поголо́вье скота́** урғочи моллар сони; **~ый коса́к** уюр, биялар тўдаси; 3 қўр; она, бош; **~ый куст** бош туп; **~ая поро́да** *геол.* қўр жинс (таркибида руда, қимматбаҳо тош ва ш. к. бўлган тог жинси).

МАТРА́С и **МАТРАЦ** *м* матрас, тўшак; **волосяно́й ~** юнг тўшак; **пружи́нный ~** пружинали матрас.

МАТРА́СНИК *м* тўшакавра; тўшак қопи; ғилофи; **сшить ~** тўшакавра тикмоқ.

МАТРА́СН/ЫЙ, -ая, -ое матрасга оид, матрасга ишлатиладиган, матрасбоп; **~ая ткань** матрасбоп газлама.

МАТРЁШКА *ж, р. мн.* **-шек** матрёшка (бир-бирининг ичига солинган ёғоч кўғирчоқларнинг ҳар бири).

МАТРИАРХА́ЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое матриархатга, оналик даврига оид, матриархал; **~е отноше́ния** матриархал муносабатлар; **~й род** матриархал уруғ-аймоқ.

МАТРИА́РХАТ *м* матриархат, оналик даври.

МАТРИМОНИА́ЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое *уст.* уйланиш билан боғлиқ бўлган; уйланиш...; **~е наме́рения** уйланиш нияти.

МА́ТРИЦ/А *ж спец.* матрица, ўйма қолип; **линоти́пная ~а** линотип матрицаси; **печа́тать кни́гу с ~** китобни матрицадан босмоқ; 2 *мат.* матрица (математик элементлар жадвали).

МАТРИЦИ́РОВАТЬ *сов.* и *несов. (сов. также* **заматрици́ровать**) *что спец.* матрицаламоқ, матрицага олмоқ, матрица тайёрламоқ; **~ набо́р** терилган ҳарфларни (наборни) матрицаламоқ.

МА́ТРИЧНЫЙ, -ая, -ое *полигр.* матрицага оид; матрица...; матрицабоп; **~ карто́н** матрицабоп картон.

МАТРО́НА *ж* матрона, момо (қадимги Римда: ҳурматга сазовор бўлган аёл, оила бошлиғи).

МАТРО́С *м* матрос.

МАТРО́СКА *ж* 1 матроска, матросча костюм; 2 *разг.* матрос хотини.

МАТРО́ССКИЙ, -ая, -ое матрос(лар)га оид, матрос(лар)га хос бўлган; матросча; матрос(лар)...; **~ костю́м** матросча костюм, матрослар костюми; **~ батальо́н** матрослар батальони.

МАТУШК/А *ж, р. мн.* **-шек** 1 *уст.* она, ойи; 2 *прост.* она, онажон (кекса хотинларга мурожаат формаси); ✦ **~и (мои́)**; **~и-све́ты!** *в знач. межд.* вой, ўлмасам; ё тавба!

МАТЧ *м* матч; **футбо́льный ~** футбол матчи; **~-турни́р** матч-турнир; **~ на пе́рвенство ми́ра по ша́хматам** шахмат бўйича жаҳон биринчилиги учун матч.

МАТЧЕ́ВЫ/Й, -ая, -ое матч тартибидаги; матч...; **~е встре́чи** матч учрашувлари (ўйинлари).

МАТЬ *ж, р.* и *дат.* **ма́тери**, *твор.* **ма́терью**, *мн.* **ма́тери**, *р.* **матере́й** 1 она; **родна́я ~** туққан она; ўз онаси; **многодётная ~** кўп болали она; **~-геро́йня** қаҳрамон она; **~-одино́чка** ёлғиз она; **корми́лица** ~ эмизикли она; 2 она ҳайвон, она; 3 *прост.* она, онажон (мурожаат формаси); ✦ **Ро́дина-~** Она ватан; **всоса́ть с молоко́м ма́тери** сут билан кирган (қўндоқда теккан) одат, касал ҳақида; **показа́ть кузькину́ ~** онасини кўрсатиб қўймоқ, адабини бермоқ; **в чём (или как) ~ родила́** *разг.* онадан туғилгандек, қипяланғоч.

МАТЬ-И-МАЧЕХА *ж бот.* кўк, туятовон.

МА́УЗЕР *м* маузер.

МАФИ́СТ *м* мафия аъзоси, мафиячи.

МА́ФИЯ *ж* мафия (Италия ва АҚШда: террорчи гангстерлар ташкилоти).

МАХ *м разг.* 1 бир айланиш (ғилдирак ҳақида); бир бориб келиш, кўтарилиб тушиш (маятник, қанот ва ш. к. ҳақида); **~ колеса́** ғилдиракнинг бир айланиши; **~ крыла́** қанот (лар)нинг бир қоқилиши; 2 одим, кенглиги; одим, қадам (ҳайвонлар ҳақида); **широ́кий ~** кенг қадам; 3 *спорт.* бир силташ, силтов; селпиниш; **~ вперёд** олдинга бир селпиниш; ✦ **дать ~у** хато қилмоқ, янглишмоқ; фириб емоқ; **одни́м ~ом** или **с одного́ ~а** бир галда, бир зумда, бир силташда, бир силтаб; **с ма́ху** 1) қулочкашлаб; зарб билан; **удари́ть с ~у** қулочкашлаб солмоқ; 2) шартта, ўйлаб ўтирмасдан, ўйламай-нетмай; **сде́лать** *что-л.* **с ~у** ўйлаб ўтирмасдан, бирор иш қилмоқ, шартта қилиб қўймоқ; **во весь ~** тез, сакраб чопиш (от ҳақида).

МАХАНУ́ТЬ *сов. прост. то же, что* **махну́ть** 2.

МАХА́ТЬ, машу́, ма́шешь *несов. (сов.* **махну́ть** 1) 1 *чем* силкитмоқ, қоқмоқ; **~ платко́м** рўмол силкитмоқ; **~ кры́льями** қанот қоқмоқ; 2 *чем кому-чему* қўл (ёки бошқа бирор нарса) силкитиб чақирмоқ, ишора қилмоқ.

МАХИ́ЗМ *м* махизм (19-аср охирларида философия ва назарий физикада пайдо бўлган реакцион идеалистик оқим, эмпириокритицизм).

МАХИ́НА *ж разг.* каттакон, баҳайбат нарса.

МАХИНА́ТОР *м разг.* алдам-қалдам иш қилувчи, фирибгар, найрангбоз.

www.ziyouz.com kutubxonasi

МАХИНА́ЦИЯ *ж* алдам-қалдам иш, ҳийла-найранг, фирибгарлик, фириб.

МАХИ́ЗМ *м* махист, махизм тарафдори.

МАХНУ́ТЬ *сов.* и *однокр.* 1 *см.* **маха́ть**; 2 *разг.* ўзини отмоқ, урмоқ, ташламоқ; сакраб ўтмоқ; ~ **че́рез забо́р** сакраб девордан ошиб ўтмоқ; девордан ошиб тушмоқ; **за́яц махну́л в сто́рону** қуён ўзини четга олиб қочди; қуён ўзини бошқа ёққа урди; 3 *прост.* йўл олмоқ, жўнамоқ, бормоқ; ~ **на ле́то в дере́вню** ёзда қишлоққа жўнамоқ; ✦ ~ **руко́й** *на кого-что* қўл силтамоқ; қўлни ювиб, қўлтиққа урмоқ.

МАХОВИ́К *м, р.* **-а́** *тех.* маховик, салмоқли ғилдирак; ~ **дви́гателя** двигатель маховиги.

МАХОВ/О́Й, -а́я, -о́е силкиниш (ёки қоқиш) учун хизмат қиладиган; силкинадиган, силкинма, айланма; ~**ые движе́ния** айланма ҳаракатлар; қулоч ёзиб икки қўлни айлантириш; ~**ые пе́рья** *зоол.* қуш қанотидаги катта патлар; ~**о́е колесо́** *то же, что* **махови́к.**

МАХОМ *нареч. прост.* бирпасда, бирзумда, лип этиб; кўз очиб юмгунча.

МАХОНЬКИЙ, -ая, -ое жуда кичкина, зиғирдак, жажжи.

МАХО́РКА *ж* махорка, жўн тамаки.

МАХО́РОЧНЫЙ, -ая, -ое махоркага оид; махорка...; ~**дым** махорка тутуни.

МАХРО́В/ЫЙ, -ая, -ое 1 серяпроқ, қат-қат япроқли (гул ҳақида); ~**ые а́стры** серяпроқ қўқонгуллар; 2 серпат, патли, пахмоқ; ~**ое полоте́нце** пахмоқ сочиқ; ~**ая ткань** пахмоқ газлама; 3 *перен.* ўтакетган, уччига чиққан, ашадди; ~**ый реакционе́р** ашадди реакционер.

МАХР/Ы́ *мн. прост.* 1 титиқ, питиқ, жулдур; 2 *то же, что* **бахрома́**; **шаль с ~а́ми** попукли рўмол.

МАЧЕ́ХА *ж* ўгай она

МА́ЧТА *ж* мачта; **корабе́льная** ~ кема мачта; ~ **для анте́нны** антенна мачтаси.

МАЧТО́ВЫЙ, -ая, -ое 1 мачтага оид; мачтадаги; мачта...; 2 мачтабоп; мачта...; ~ **лес** мачтабоп ёғоч.

МАШИ́НА *ж* 1 машина; **парова́я** ~ буғ машина(си); **счётная** ~ ҳисоблаш машинаси; **шве́йная** ~ тикув машинаси; **электро́нно-вычисли́тельная** ~ электрон-ҳисоблаш машинаси; **стира́льная** ~ кир ювадиган машина; 2 *перен. разг.* машинага айланиб қолган одам, машина; 3 *перен. какая* машина (доим шай ташкилот); **госуда́рственная** ~ давлат машинаси; **вое́нная** ~ ҳарбий машина; 4 *разг.* машина, автомашина, автомобиль; **легкова́я** ~ енгил машина; 5 *спорт.* мотоцикл, велосипед.

МАШИНА́ЛЬНО *нареч.* ғайриихтиёрий равишда, бехосдан, ўйламасдан, беихтиёр, ихтиёрсиз, машинавор; ~ **отвеча́ть на вопро́сы** саволларга ўйламасдан (беихтиёр) жавоб бермоқ.

МАШИНА́ЛЬНЫЙ, -ая, -ое; -лен, -льна ғайриихтиёрий, машинаворий, беихтиёр қилинган, бехос, ихтиёрсиз; ~ **жест** ғайриихтиёрий ҳаракат; бехос ҳаракат.

МАШИНИЗА́ЦИЯ машиналаштириш; ~ **се́льского хозя́йства** қишлоқ хўжалигини машиналаштириш.

МАШИНИЗИ́РОВАТЬ *сов.* и *несов. что* машиналаштирмоқ; ~ **ручно́й труд** қўл меҳнатини машиналаштирмоқ.

МАШИНИ́СТ *м* машинист; ~ **экскава́тора** экскаватор машинисти; экскаватор ҳайдовчи.

МАШИНИ́СТКА *ж, р. мн.* **-ток** машинистка (ёзув машинасида ишловчи аёл).

МАШИ́НКА *ж* машинка; **пи́щущая** ~ ёзув машинкаси; ~ **для стри́жки воло́с** соч оладиган машина.

МАШИ́ННО-ТРА́КТОРНЫЙ, -ая, -ое машина-трактор...; ~ **парк** машина-трактор парки.

МАШИ́НН/ЫЙ, -ая, -ое 1 машинага оид; машина(лар) учун белгиланган, машина...; ~**ое ма́сло** машина мойи; ~**ое отделе́ние** машинахона; машиналар жойлашган хона; машиналар бўлмаси; 2 машиналашган, машиналаштирилган, машинада бажариладиган, машинавий; ~**ая до́йка коро́в** сигирларни машинада соғиш; ~**ый перево́д** машинавий таржима.

МАШИНОВЕДЕ́НИЕ *с* машинашунослик.

МАШИНОПИ́СН/ЫЙ, -ая, -ое 1 машинкада ёзиш билан боғлиқ бўлган; ~**ое бюро́** машинисткалар бюроси; 2 машинкада ёзилган; ~**ый текст** машинкада ёзилган текст.

МАШИНОПИС/Ь *ж* 1 машинкада ёзиш, ёзув; **ку́рсы** ~**и** машинисткалар курси; 2 машинкада ёзилган текст; **сто страни́ц** ~**и** машинкада ёзилган юз бет (иш, текст).

МАШИНОСТРОЕ́НИЕ *с* машинасозлик, машиналар қуриш.

МАШИНОСТРОИ́ТЕЛЬ *м* машинасоз (ишчи, мутахассис).

МАШИНОСТРОИ́ТЕЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое машинасозликка, машиналар қуришга оид; машинасозлик...; ~**ый заво́д** машинасозлик заводи; ~**ая промы́шленность** машинасозлик саноати.

МАШИ́СТЫЙ, -ая, -ое кенг, катта (қадам ҳақида); ~ **шаг** кенг қадам, катта қадам.

МАЭ́СТРО *м нескл.* маэстро, устоз (асосан катта музикачилар, санъаткорлар ва истеъдодли шахматчиларга нисбатан ишлатилади).

МАЯ́К *м, р.* **-а́** *прям.* и *перен.* маяк, маёқ; машъал; **огни́** ~**а́** маяк чироқлари; **Узбекиста́н — ~ социали́зма на Восто́ке** Ўзбекистон социализмнинг Шарқдаги машъалидир.

МАЯ́ТНИК *м* маятник, тебрангич; капгир; **стенны́е часы́** *с* ~**ом** маятникли деворий соат; **часово́й** ~ соат маятниги (капгири).

МАЯ́ТНИКОВ/ЫЙ, -ая, -ое 1 маятниги, тебрангичи бўлган, маятникли; ~**ые часы́** маятникли соат; ~**ый прибо́р** *физ.* маятникли олат; 2 маятник принципида ишлайдиган; тебранма; ~**ая пила́** маятник принципида ишлайдиган арра, тебранма арра.

МАЯ́ТЬСЯ *несов. чем* и *без доп. прост.* 1 оғир меҳнатда толмоқ, ҳолдан тоймоқ, уринмоқ, овора бўлмоқ; 2 машаққат тортмоқ, қийналмоқ, озор чекмоқ; 3 муҳтожликда яшамоқ, қўл учида кун кўрмоқ.

МАЯ́ЧИ/ТЬ *несов.* узоқдан кўриниб турмоқ (одатда баланд нарсалар ҳақида), **впереди́ ~ли дере́вья** олдинда дарахтлар кўриниб турар эди.

МАЯ́ЧН/ЫЙ, -ая, -ое маякка (маёққа) оид; **маяк...**; (маёқ); ~**ая ба́шня** маяк минораси; ~**ые огни́** маяк (маёқ) чироқлари.

МГЛА *м* 1 (ҳаводаги, осмондаги) ғубор, ғира-шира туман, чанг-тўзон; 2 ғира-шира пайт; **осе́нняя** ~ кузги ғуборли осмон; кузги ғира-шира пайт.

МГЛИ́СТЫЙ, -ая, -ое ғуборли; ғира-шира; ~ **во́здух** ғуборли ҳаво; ~ **день** ғира-шира кун.

МГНОВЕ́НИЕ *с* кўз очиб юмгунча ўтадиган вақт, он, пайт, лаҳза; **в одно́** ~ бир онда, бирпасда; **в** ~ **о́ка** кўз очиб юмгунча, бир лаҳзада; **в то же** ~ ўша онда, ўша онниг ўзида, лаҳза ўтмай, дарҳол.

МГНОВЕ́ННЫЙ, -ая, -ое; -е́нен, -е́нна 1 бир онли, бир лаҳзали, бир онда содир бўладиган, бўлиб ўтадиган, жуда тез, оний; ~**ая вспы́шка** бир онли чақнаш; ~**ый центр враще́ния** *физ.* оний айланиш маркази; 2 жуда тез қилинган; ~**ое реше́ние** жуда тез (дарҳол) қабул қилинган қарор.

МЕБЕЛ/Ь *ж* мебель; **мя́гкая** ~**ь** юмшоқ мебель; ✦ **для** ~**и** (находи́ться, быть и т. п.) *шутл.* жой бўш турмаслиги учун, қуруқ савлатга.

МЕБЕ́ЛЬНЫЙ, -ая, -ое мебелга оид; мебелбоп; мебел(лар)...; ~ **магази́н** мебель магазини; ~ **материа́л** мебелбоп материал.

МЕБЕ́ЛЬЩИК *м* мебелчи, мебель ясовчи, мебелсоз.

МЕБЛИРО́ВАННЫ/Й, -ая, -ое 1 *прич. от* **меблирова́ть**; 2 *в знач. прил.* мебелли, мебеллар билан жиҳозланган, ясатилган; жиҳозли; ~**й зал** мебеллар билан жиҳозланган зал;

✦ ~**е ко́мнаты** жиҳозли хоналар (эски вақтларда: меҳмонхона тури).

МЕБЛИРОВА́ТЬ, -ру́ю, -ру́ешь *несов. что* мебеллар билан жиҳозламоқ, ясатмоқ; ~ **кварти́ру** квартирани жиҳозламоқ (мебеллар билан).

МЕБЛИРО́ВКА *ж* 1 *по гл.* **меблирова́ть**; 2 *собир.* меблировка, ясоғлиқ мебеллар, уй жиҳозлари; **незате́йливая** ~ **оддий (содда) меблировка**; **оддий (содда) жиҳозлар.**

www.ziyouz.com kutubxonasi

МЕГАТО́ННА *ж* мегатонна (ядро қуроли портлаш кучини ўлчаш учун қабул қилинган шартли бирлик, бир миллион тонна тринитротолуолнинг портлаш кучига тенг).

МЕГАТО́ННН/ЫЙ, -ая, -ое бир мегатонна қувватли; **баллисти́ческие раке́ты с я́дерными заря́дами ~ой мо́щности** бир мегатонна қувватли ядро заряди бўлган баллистик ракеталар.

МЕ́ГАФОН *м* мегафон (овозни кучайтирадиган карнай); **говори́ть в ~** мегафонга (қараб) гапирмоқ.

МЕГЕ́РА *ж разг.* заҳар (баджаҳл) аёл, қумрон.

МЕГРЕ́Л *м* мегрел; *см.* **мегре́лы.**

МЕГРЕ́ЛКА *ж, р. мн.* **-лок** мегрел аёл, мегрелка; *см.* **мегре́лы.**

МЕГРЕ́ЛЫ *мн. (ед.* **мегре́л** *м,* **мегре́лка** *ж)* мегреллар (Ғарбий Грузияда яшовчи, ўтмишда алоҳида этник группани ташкил этган грузинлар).

МЕГРЕ́ЛЬСКИЙ, -ая, -ое мегрелларга оид; мегрел (лар)...

МЕ́Д *м, мн.* **меды́** 1 асал, бол; **цвето́чный ~** атиргул асали; 2 асалдан тайёрланган шароб; ✦ **не ~** *в знач. сказ.* ширин-шакар эмас (яъни, оғир, мушкул, машаққат келтирадиган); **ваш сын, зна́ете, не ~** ўғлингиз ўзингизга маълум, ширин-шакар болалардан эмас (яъни, оғир бола); **ло́жка дёгтя (в бо́чке ~а)** *см.* **дёготь; ва́шими уста́ми да ~ пить!** оғзингизга шакар!; айтганингиз келсин!

МЕДАЛИ́СТ *м* медалист (медаль билан тақдирланган шахс).

МЕДАЛИ́СТКА *ж, р. мн.* **-ток** *см.* **медали́ст.**

МЕДА́Л/Ь *ж* медаль; **золота́я ~ь** олтин медаль; **па́мятная ~ь** эсдалик медали; **у него́ вся грудь в орденах и ~ях** унинг кўкраги орден ва медаллар билан тўла; ✦ **оборо́тная (или друга́я) сторона́ ~и** бирор ишнинг ёмон (акс) томони.

МЕДА́ЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое медалга оид; медаль...; **~ая ле́нточка** медаль лентаси.

МЕДА́ЛЬОН *м* медальон; **золото́й ~** олтин медальон; **~ в ви́де серде́чка** юрак шаклидаги медальон.

МЕДВЕ́ДИЦА *ж* уррочи айиқ; ✦ **Больша́я Медве́дица** *астр.* Катта Айиқ, Катта Етти Оғайни; **Ма́лая Медве́дица** *астр.* Кичик Айиқ, Кичик Етти Оғайни.

МЕДВЕ́Д/Ь *м* 1 айиқ; **бе́лый ~ь** оқ айиқ; **бу́рый ~ь** қўнғир айиқ; 2 *перен. разг.* бесўнақай (қўпол) одам, лапос; ✦ **дели́ть шку́ру неуби́того ~я** *см.* **шку́ра; ~ь на́ ухо наступи́л** мусиқий завқи йўқ (завқсиз) одам *(л. м.* қулоғини айиқ босиб олган одам); қулоғи кар, гаранг.

МЕДВЕЖА́ТИНА *ж* айиқ гўшти.

МЕДВЕЖ/ИЙ, -ья, -ье 1 айиққа оид; айиқ...; **~ье мя́со** айиқ гўшти; 2 айиқ терисидан қилинган; **~ья шу́ба** айиқ терисидан тикилган пўстин, айиқ пўстин; 3 *перен.* айиқникига ўхшаган; **~ья похо́дка** айиққа ўхшаб лапанглаб юриш; ✦ **~ий у́гол** *уст.* узоқ жой, овлоқ; **~ья услу́га** қош қўяман деб кўз чиқариш, яхшилик қиламан деб нохуш иш қилиб қўйиш; **~ья боле́знь** *разг. шутл.* қўрқувдан ичи ўтиб кетиш.

МЕДВЕЖО́НОК *м, р.* **-нка,** *мн.* **-жа́та** айиқ боласи.

МЕДВЯ́НЫЙ, -ая, -ое *уст.* асал ҳидли, хушбўй; **~ за́пах травы́** ўтларнинг асал ҳидига ўхшаш ҳиди.

МЕДЕПЛАВИЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое мис эритишга оид, мис эритадиган, мис ишлаб чиқарадиган; **~ый заво́д** мис ишлаб чиқарадиган завод, мис заводи; **~ая печь** мис эритадиган печь.

МЕДЕПЛАВИЛЬЩИК *м* мис эритувчи.

МЕДЖЛИ́С *м* мажлис (Туркияда, Эронда: миллат мажлиси, парламент).

МЕДИА́НА *м мат.* медиана.

МЕДИА́ТОР *м муз.* медиатор, нохин.

МЕ́ДИК *м* медик (1 медицина ходими, врач; 2 *разг.* медицина ўқув юртининг ўқувчиси, студенти).

МЕДИКАМЕ́НТЫ *мн. (ед.* **медикаме́нт** *м)* медикамент (лар), дори-дармонлар.

МЕДИКАМЕНТО́З/Н/ЫЙ, -ая, -ое дори-дармонларга оид; **~ые сре́дства** медикаментлар, дори-дармонлар; **~ое лече́ние** дори-дармонлар билан даволаш.

МЕДИЦИ́НА *ж* медицина, тиб; **экспериментальная ~** экспериментал медицина; **наро́дная ~** халқ медицинаси; табобат.

МЕДИЦИ́НСК/ИЙ, -ая, -ое медицинага оид, тиббий; медицина...; **~ий рабо́тник** медицина ходими; **~ий факульте́т** медицина факультети; **~ая по́мощь** медицина ёрдами, тиббий ёрдам.

МЕДИ́ЧКА *ж, р. мн.* **-чек** *разг. см.* **ме́дик.**

МЕ́ДЛЕННО *нареч.* секинлик билан, секин, аста; шошилмай, имиллаб; **~ дви́гаться** секин ҳаракат қилмоқ; имиллаб юрмоқ; **вре́мя тя́нется ~** вақт секин ўтяпти.

МЕ́ДЛЕНН/ЫЙ, -ая, -ое секинлик билан содир бўладиган, суръати паст, секин, суст; **~ый шаг** секин (суст) қадам; **идти́ ~ым ша́гом** секин қадам ташлаб бормоқ; **~ый ход по́езда** поезднинг секин юриши; **на ~ом огне́** паст оловда.

МЕДЛИ́ТЕЛЬНОСТЬ *ж* сусткашлик, сустлик, ланжлик, имиллаганлик, имирсираганлик; **~ движе́ний** ҳаракатларнинг сустлиги.

МЕДЛИ́ТЕЛЬНЫ/Й, -ая, -ое; -лен, -льна сусткаш, суст, секин ҳаракат қиладиган, ланж; имиллаган, имирсилаган; **~й челове́к** имирсираган (секин иш қиладиган) одам; **~й ум** тез ишламайдиган ақл; **~е движе́ния** суст ҳаракатлар.

МЕДЛИТЬ *несов.* сусткашлик қилмоқ, чўзмоқ, орқага судрамоқ, кечиктирмоқ; **~ с отъе́здом** йўлга чиқишни кечиктирмоқ; шошмасдан (бафуржа) йўлга чиқмоқ; **~ с выполне́нием обеща́ния** ваъдани чўзмоқ; **не ме́для ни мину́ты** бир минут ҳам кечиктирмай, дарҳол, дарров, зудлик билан.

МЕ́ДНИК *м* мисгар.

МЕ́ДНИЦКИЙ, -ая, -ое мисгарликка оид; мисгарлик...; **~ цех** мисгарлик цехи.

МЕДНО-КРАСНЫЙ, -ая, -ое қизил мис рангидаги; мис ранг.

МЕДНОЛИТЕЙНЫЙ, -ая, -ое мис қуядиган, мис қуйиш...; **~ заво́д** қуйма мис (ёки буюмлар) заводи.

МЕДНОЛО́БЫЙ, -ая, -ое *разг.* каллаварам, қовоқбош, бефаҳм.

МЕДНОПРОКАТНЫЙ, -ая, -ое мис прокатка қиладиган, мис ёдиган.

МЕДН/ЫЙ, -ая, -ое 1 мисга оид; таркибида мис бўлган, мисли, мис...; **~ая руда́** мис рудаси; **~ые спла́вы** мис қотишмалари; **~ый купоро́с** мис купороси, тўтиё; 2 мисдан қилинган; мис...; **~ый кувши́н** мис қумғон; мис кўза; **~ая моне́та** чақа; ✦ **~ый век** *археол.* мис асри; **~ый лоб** каллаварам, қовоқбош, бефаҳм; **на ~ые де́ньги** (учиться, быть воспитанным) камбағаллик орқасида яхши ўқий олмай қолмоқ.

МЕДОВА́Р *м* асал шароби тайёрловчи, шаробпаз.

МЕДОВАРЕ́НИЕ *с* асал шароби тайёрлаш, шаробпазлик.

МЕДОВАРЕ́ННЫЙ, -ая, -ое асал шароби тайёрланадиган (тайёрлайдиган).

МЕДО́ВЫ/Й, -ая, -ое 1 асалга оид; асал...; **~й вкус** асал таъми; 2 асалдан тайёрланган, асал қўшилган, асалли; **~й пря́ник** асалли пряник; **~й квас** асал қўшилган квас; 3 хушбўй; **в во́здухе па́хло све́жим ~м се́ном** ҳавода янги ўрилган хушбўй пичаннинг ҳиди анқиб турарди; 4 *перен.* тилёғлама, чучмал; **~е ре́чи** тилёғлама гаплар; ✦ **~й ме́сяц** уйлангандан кейинги биринчи ой.

МЕДОНО́С *м* асалга бой ўсимлик.

МЕДОНО́СНЫ/Й, -ая, -ое; -сен, -сна асалга бой, асал берадиган, серасал; **~е цветы́** асалга бой (серасал) гуллар; **~е пчёлы** асал ташувчи арилар.

МЕДОТО́ЧИВЫ/Й, -ая, -ое *уст.* хушомадли; хушомадгўй, тилёғлама; ширинсухан; **~е ре́чи** хушомадли гаплар; тилёғлама сўзлар; **~е уста́** ширинсухан дудоқлар.

МЕДПУ́НКТ *м* (пункт медици́нской по́мощи) медпункт, медицина ёрдами пункти.

МЕДСЕСТРА *ж* (медици́нская сестра́) медсестра, медицина ҳамшираси.

МЕДУ́ЗА *ж зоол.* медуза.

МИНУ́ТН/ЫЙ, -ая, -ое 1 минутни кўрсатадиган; минут...; **~ая стре́лка часо́в** соатнинг минут стрелкаси; 2 бир минут давом этадиган, бир минутли; **~ый переры́в** бир минутли танаффус; 3 бир лаҳзали, бирпасли, бир дақиқали, қисқа вақтли, қисқа; **~ое де́ло** бирпасли иш; **~ая ра́дость** бир лаҳзали қувонч.

МИНУ́ТОЧК/А *ж, р. мн.* **-чек** *ласк. от* **мину́тка** бир дақиқа, бирпасгина; ✦ **(одну́) ~у!** бирпасгина сабр қилинг!; бирпасгина диққат қилинг!; ҳозир-ҳозир.

МИНУ́ТЬ, ми́нешь *сов.* 1 *прош.* **мину́л** *то же, что* **минова́ть** 1, 3; **срок мину́л** муддат ўтди; **мину́ло ещё две неде́ли** яна икки ҳафта ўтди; 2 *прош.* **ми́нул** *кому* тўлмоқ, ошмоқ (ёш ҳақида); **ей ми́нуло семна́дцать лет** у ўн еттига тўлди.

МИОКА́РД *м анат.* миокард (юракнинг мушаклари системаси); **инфа́ркт ~а** миокард инфаркти.

МИОКАРДИ́Т *м мед.* миокардит (юрак мушакларининг яллиғланиши).

МИР I *м* 1 дунё, олам, коинот; **происхожде́ние ~а** дунёнинг (оламнинг) пайдо бўлиши; 2 *мн.* **~ы́** оламнинг, коинотнинг бир қисми; планета; **звёздные ~ы́** юлдузлар олами, юлдузлар; 3 Ер шари, ер юзи, дунё, олам, жаҳон; **объе́хать весь ~** бутун дунёни айланиб чиқмоқ; **пе́рвый в ~е лётчик-космона́вт** дунёда биринчи космонавт-учувчи; **чемпио́н ~а** жаҳон чемпиони; 4 *собир.* бутун олам, бутун жаҳон, дунёдаги ҳамма одамлар; барча халқлар; **весь ~ смо́трит на нас** бутун жаҳон нигорон бўлиб бизга қарайди; 5 ижтимоий муҳит, тузум, олам, дунё; **анти́чный ~** антик дунё; **ста́рый ~** эски дунё; **капиталисти́ческий ~** капитализм (капиталистлар) дунёси; **~ социали́зма** социализм дунёси; 6 дунё, олам (борлиқнинг бирор белгиси билан бирлашган бўлаги); **неоргани́ческий ~** ноорганик дунё; **живо́тный ~** ҳайвонот олами; **расти́тельный ~** ўсимликлар олами; **~ кра́сок** бўёқлар (ранг-туслар) олами; **~ зву́ков** товушлар олами; 7 дунё (кишининг ички, руҳий ҳаёти ва у билан боғлиқ ҳодисалар мажмуи); **бога́тый духо́вный ~ челове́ка** кишининг бой маънавий дунёси; **вну́тренний ~ челове́ка** кишининг ички дунёси; 8 муҳит, доира, олам; **нау́чный ~** илмий муҳит; илмий доиралар; **враща́ться в литерату́рном ~е** адабий муҳитда бўлмоқ; адабиётчилар орасида айланишмоқ; 9 *предл.* **на ~ý** *уст.* жамоа (қишлоқ жамоаси); **всем ми́ром** жамоа жам бўлиб, бутун жамоа бир бўлиб, биргалашиб; хамжиҳатлик билан; 10 *предл.* **в ~ý** дунёвий,

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳақиқий ҳаёт (черков, роҳиблар ҳаётидан фарқли ўлароқ); ✦ **на ~у́ и смерть красна́** ёр-биродарлар ўртасида ўлимдан ҳам қўрқмайсан киши; **не от ~а сего́** осмондан тушган, туғилганча қолган, сўфи; **пусти́ть по́ ~у** хонавайрон қилмоқ, абгор қилмоқ; **в ино́й ~** (уйти́, пересели́ться) *уст.* нариги дунёга кетмоқ, оламдан ўтмоқ; **си́льные (вели́кие) ~а сего́** *уст.* и *ирон.* бу дунёнинг дўкайлари, зўрлари.

МИР II *м* 1 иттифоқлик, иноқлик, тотувлик; тинчлик; **в семье́ ~** оилада тинчлик; оила тинч; **жить в ~е** тотув яшамоқ; 2 тинчлик, осойишталик; **поли́тика ~а** тинчлик сиёсати; **сторо́нники ~а** тинчлик тарафдорлари; **борьба́ за ~** тинчлик учун кураш; 3 сулҳ, яраш, ярашув; яраш-яраш; **омон-омон**; **перегово́ры о ~е** сулҳ (тузиш) ҳақидаги музокаралар; **заключи́ть ~** сулҳ тузмоқ, сулҳга келмоқ, ярашмоқ; ✦ **~ пра́ху его́** жойи жаннатда бўлсин; **~ до́му сему́** хонадонингизда тинчлик-омонлик бўлсин; **с ~ом** (иди́, поезжа́й) оқ йўл (бўлсин).

МИРАБ *м* мироб.

МИРАБЕ́ЛЕВ/ЫЙ, -ая, -ое сариқ тоғолчага оид; сариқ тоғолчадан қилинган; тоғолча...; **~ое де́рево** сариқ тоғолча дарахти; **~ое варе́нье** тоғолча мураббоси.

МИРАБЕ́ЛЬ *ж* сариқ тоғолча (дарахти ва меваси).

МИРАБЕ́ЛЬНЫЙ, -ая, -ое *то же, что* **мирабе́левый.**

МИРАЖ *м* 1 мираж, сароб; **~ в пусты́не** саҳродаги сароб; 2 *перен.* хаёл, хаёлот, ҳомхаёл; **~ сча́стья** хаёлий бахт.

МИРЗА́ *м* 1 мирза (унвон); 2 мирза, мунший, котиб.

МИРИА́ДЫ *мн. книжн.* сон-саноқсиз, беҳисоб, жуда кўп; **на не́бе ~ звёзд** осмонда сон-саноқсиз юлдузлар.

МИРИ́ТЬ *несов.* 1 (*сов.* **помири́ть** и **примири́ть**) *кого-что* яраштирмоқ, яраштириб қўймоқ, муросага, сулҳга келтирмоқ; **~ поссо́рившихся сосе́дей** уришиб қолган қўшниларни яраштириб қўймоқ; 2 (*сов.* **примири́ть**) *кого-что с кем-чем* келиштирмоқ, кўниктирмоқ, рози қилмоқ; **его́ ум мири́л всех с его́ дурны́м хара́ктером** унинг ақли (ақллилиги) ҳаммани унинг феъли-хўйига ҳам кўникишга мажбур этарди.

МИРИ́ТЬСЯ *несов.* 1 (*сов.* **помири́ться** и **примири́ться**) *с кем-чем* и *без доп.* ярашмоқ, муросага, сулҳга келмоқ; **дава́й ~** кел, ярашайлик; 2 *с чем* кўнмоқ, кўникмоқ, муросага қилмоқ, рози бўлмоқ, чидамоқ; **~ с создавшимся положе́нием** юз берган аҳволга кўникмоқ.

МИ́РНО *нареч.* тинчлик (осойишталик) билан, тинч; дўстона; **~ спать** тинч ухламоқ; **~ реша́ть спо́рные вопро́сы** жанжалли масалаларни тинчлик билан ҳал этмоқ.

МИ́РН/ЫЙ, -ая, -ое; -рен, -рна 1 ювош, беозор, мулойим; **~ый хара́ктер** ювош характер, ювошлик; 2 осойишта, дўстона; **~ый разгово́р** осойишта гап; 3 ҳарбий хизматдан, урушдан холи, тинч, тинчлик давридаги; ноҳарбий; **~ое вре́мя** тинч давр; тинчлик даври; **в ~ых усло́виях** тинчлик шароитида; **~ое строи́тельство** тинчлик давридаги қурилиш; **~ые жи́тели** тинч (граждан) аҳоли; 4 тинч, тинчликсевар, сулҳпарвар; **~ое госуда́рство** тинчликсевар давлат; **~ая поли́тика** тинчлик сиёсати; 5 тинчликка (сулҳга) оид, сулҳ тузиш билан боғлиқ бўлган, тинчликка қаратилган, асосланган, дўстона; **~ые перегово́ры** сулҳ (тузиш) ҳақидаги музокаралар; **~ые отноше́ния** дўстона муносабатлар; 6 тинч, осойишта, хотиржам, беҳавотир; **~ый сон** тинч (беҳавотир) уйқу; **~ая счастли́вая жизнь** осойишта бахтли ҳаёт.

МИ́РО *с церк.* христианларнинг чақалоқни чўқинтириш, подшога тож кийдириш каби маросимларда суртиладиган хушбўй мой; ✦ **одни́м ми́ром ма́заны** иккаласи (ҳаммаси) бир гўр; тупроғи бир ердан олинган.

МИРОВ/АЯ *ж, р.* **-о́й** *разг.* келишув; битишув; ярашув, ярашиш; **пойти́ на ~у́ю** келишмоқ, битишмоқ; бежанжал ҳал қилмоқ.

МИРОВОЗЗРЕ́НИЕ *с* дунёқараш; **нау́чное ~** илмий дунёқараш.

МИРОВ/О́Й I, -а́я, -о́е 1 оламга, коинотга оид, олам...; коинот...; **~о́е простра́нство** олам фазоси; 2 дунё аҳамиятига эга бўлган, жаҳон миқёсидаги, оламшумул, жаҳоншумул; олам...; жаҳон...; дунё...; **~а́я война́** жаҳон уруши; **~о́й ры́нок** дунё (жаҳон) бозори; **учёный с ~ы́м и́менем** оламга машҳур олим; **~а́я сла́ва** оламшумул шон-шуҳрат; 3 дунёда, жаҳонда биринчи, энг юқори; жаҳон...; **~о́й реко́рд** жаҳон рекорди; **~о́й рекордсме́н** жаҳон рекордсмени; 4 *перен. прост.* зўр, асил, топилмайдиган; **он ~о́й па́рень** у зўр бола; у асил (топилмайдиган) йигит; ✦ **~о́й станда́рт** жаҳон стандарти (маҳсулотларнинг жаҳон бозори талаблари даражасидаги сифат кўрсаткичлари).

МИРОВО́Й II, -а́я, -о́е *уст.* келиштирувчи, битиштирувчи; муросага келтирувчи; **~ судья́** *ист.* келиштирувчи судья (революциядан илгариги Россияда: майда-чуйда ишларни кўриб, томонларни битиштирган судья); **~ посре́дник** келиштирувчи воситачи.

МИРОЕ́Д *м разг. презр.* текинхўр, молимардумхўр, эксплуататор, қулоқ.

МИРОЕ́ДСКИЙ, -ая, -ое *разг. презр.* текинхўрларга, эксплуататорларга, қулоқларга оид, уларга хос бўлган, текинхўрларча.

МИРОЗДА́НИЕ *с* олам, коинот.

МИРО́К *м, р.* **-рка́** 1 кичик гуруҳ, тўда, аҳл, доира; **артисти́ческий ~** артистлар гуруҳи, аҳли; 2 *перен.* тор тушунчалар, тасаввурлар, туйғулар олами; **он целико́м погружён в свой ~** у бус-бутун ўз ҳис-туйғуларига берилган (ботган, чўмган).

МИРОЛЮБИ́В/ЫЙ, -ая, -ое 1 тинчлик тарафдори бўлган, тинчликни яхши кўрадиган; тинчликсевар, сулҳпарвар; **~ый челове́к** тинчликни яхши кўрадиган одам; **~ые наро́ды** тинчликсевар халқлар; **~ые держа́вы** тинчликсевар давлатлар; 2 тинчликни кўзловчи, тинчликни ифодаловчи, тинчликка қаратилган; тинчликсеварлик...; сулҳпарварлик...; тинчлик...; **~ая поли́тика** тинчлик сиёсати.

МИРОЛЮБИЕ *с* тинчликни севиш, тинчликсеварлик, сулҳпарварлик; **проявля́ть ~** тинчликсеварлик билан иш тутмоқ.

МИРООЩУЩЕ́НИЕ *с* дунёни, ҳаётни сезиш, ҳис этиш; дунёга қараш; **оптимисти́ческое ~** дунёга (ҳаётга) оптимистик қараш.

МИРОПОМАЗА́НИЕ *с церк.* христианларда: хушбўй мой (миро) суртиш маросими; *см.* **ми́ро.**

МИРОПОНИМА́НИЕ *с* дунёни, ҳаётни маълум нуқтаи назардан тушуниш, дунёқараш.

МИРОСОЗЕРЦА́НИЕ *с* дунёқараш.

МИРОСОЗЕРЦА́ТЕЛЬНЫЙ, -ая, -ое дунёқарашга оид, дунёқараш билан боғлиқ бўлган.

МИРОТВО́РЕЦ *м, р.* **-рца** тинчлик ўрнатувчи шахс.

МИРОТВО́РНЫЙ, -ая, -ое; -рен, -рна *уст.* тинчлик ўрнатадиган, тинчлантирадиган, тинчлантирувчи.

МИРОТВО́РСТВО *с уст.* тинчлик ўрнатиш, тинчлантириш, муросага, сулҳга келтириш.

МИРОТВО́РЧЕСКИЙ, -ая, -ое *уст.* тинчлик ўрнатишга қаратилган, тинчлик ўрнатиш билан боғлиқ бўлган.

МИ́РРА *ж* мирра (хушбўй смола тури ва шундай смола берадиган дарахт).

МИ́РРОВ/ЫЙ, -ая, -ое миррага оид; мирра...; **~ое де́рево** мирра дарахти; **~ое ма́сло** мирра мойи.

МИРСК/О́Й, -а́я, -о́е *уст.* 1 эл-юртга оид; дунёвий; **~а́я молва́** эл-юрт ўртасидаги гап; 2 кундалик; турмуш...; **~а́я жизнь** кундалик ҳаёт; **~и́е забо́ты** кундалик ташвишлар; турмуш уринишлари; 3 жамоага оид, жамоага қарашли; **~а́я схо́дка** жамоа йиғини.

МИРТ *м* 1 мирт, мирта (доим яшил, хушбўй бута, ўсимлик); 2 *уст. поэт.* шу ўсимлик новдаларидан қилинган баргак, чамбарак (чамбар).

МИРТОВ/ЫЙ, -ая, -ое миртга (миртага) оид; мирт...; **~ая ро́ща** миртзор (миртазор); **~ый вено́к** мирт венок (чамбар); 2 *в знач. сущ.* **~ые** *мн. бот.* мирт(а)лар, мирт(а)гуллилар.

МИРЯ́НИН *м, мн.* **-ря́не** *уст.* 1 дунёвий киши, қавм; 2 қишлоқ жамоасининг аъзоси, қишлоқли киши.

МИРЯ́НКА *ж, р. мн.* **-нок** *см.* **миря́нин.**

МИ́СКА *ж, р. мн.* **-сок** коса; **деревя́нная ~** ёғоч товоқ; заранг коса.

МИСС *ж нескл.* мисс (Англия ва АҚШда: қизларга мурожаат формаси).

МИССИОНЕ́Р *м* миссионер (ерли халқни христиан динига ўтишга тарғиб қилиш учун ўзга юртларга юборилган шахс).

www.ziyouz.com kutubxonasi

МИССИОНЕ́РКА *ж, р. мн.* **-рок** *см.* **миссионе́р.**

МИССИОНЕ́РСК/ИЙ, -ая, -ое миссионерларга, уларнинг фаолиятига оид; миссионер(лар)...; **~ая про́поведь** миссионер(лар)нинг ваъз-насиҳатлари.

МИССИОНЕ́РСТВО *с* миссионерлик, миссионер иши, фаолияти.

МИ́ССИС *ж* миссис (Англия ва АҚШда: хотинларга мурожаат формаси).

МИ́ССИЯ *м* **1** миссия, вазифа, топшириқ; **на него́ возло́жена ва́жная** ~ унга муҳим вазифа юкланган; **2** *высок.* юксак вазифа, бурч; **~ поэ́та** шоирнинг юксак вазифаси, бурчи; **3** миссия, ваколатхона; ваколатхона ҳайъати; **рабо́тники сове́тской ми́ссии** совет ваколатхонасининг ходимлари; **4** миссия (ўзга давлатга юборилган махсус вакиллар); **вое́нная** ~ ҳарбий миссия; **торго́вая** ~ савдо миссияси; **5** миссионерлар ташкилоти; ✦ **~ дру́жбы** дўстлик миссияси, дўстона ташриф; **~ до́брой во́ли** яхши ниятлар билан буюрилган ташриф.

МИ́СТЕР *м* мистер (Англия ва АҚШда: эркакларга мурожаат формаси).

МИСТЕ́РИЯ *ж* мистерия (ўрта асрларда: диний мавзулардаги драма).

МИ́СТИК *м* мистик, мутасаввиф, тасаввуфчи, суфий.

МИ́СТИКА *ж* **1** мистика, тасаввуф (илоҳиётга, ғайритабиий кучларга ишониш); **средневеко́вая** ~ ўрта асрлар мистикаси; **2** *перен. разг.* ақл бовар қилмайдиган, ғайритабиий нарса, ҳодиса.

МИСТИФИКА́ТОР *м книжн.* алдашга, лақиллатишга уста одам, алдоқчи, фирибгар.

МИСТИФИКА́ЦИ/Я *ж книжн.* алдаш, лақиллатиш, алдоқчилик, фирибгарлик; **он стал же́ртвой ~и** у фирибгарлик қурбони бўлди; уни боплаб лақиллатиб кетишди.

МИСТИФИЦИ́РОВАТЬ *сов.* и *несов. кого-что* и *без доп. книжн.* алдамоқ, лақиллатмоқ, фириб бермоқ.

МИСТИЦИ́ЗМ *м* мистицизм, мистика, тасаввуф.

МИСТИ́ЧЕСК/ИЙ, -ая, -ое 1 мистикага, тасаввуфга асосланган, мистикадан иборат бўлган, мистицизм руҳидаги, мистик; **~ие тео́рии** мистик назариялар; **~ая поэ́зия** мистика (мистицизм) руҳидаги поэзия; **2** *перен.* ақл бовар қилмайдиган, ақлга тўғри келмайдиган, ҳақиқатдан йироқ, сирли, ғалати; **им овладе́л како́й-то ~ий страх** уни қандайдир сирли қўрқув босди.

МИ́ТИНГ *м* митинг; **~ проте́ста** норозилик митинги.

МИТИНГОВА́ТЬ, -гу́ю, -гу́ешь *несов. разг.* **1** митинг қилмоқ, митинг ўтказмоқ; **2** *перен.* йиғилишиб, қуруқ сафсатавозлик қилмоқ, гап сотмоқ.

МИТКА́ЛЕВ/ЫЙ, -ая, -ое миткалга оид; миткалдан қилинган; миткаль...; **~ая занаве́ска** миткаль парда.

МИТКА́ЛЬ *м, р.* **-ля́** миткаль хом сурп.

МИ́ТРА *ж* митра (епископ ва бошқа мартабали руҳонийларнинг ибодат вақтида киядиган бош кийими).

МИТРОПОЛИ́Т *м* митрополит (епископларнинг олий унвони ва шу унвондаги епископ).

МИТРОПОЛИ́Ч/ИЙ, -ья, -ье митрополитга оид; митрополит...; **~ьи поко́и** митрополит хонаси.

МИТРОПО́ЛИЯ *ж* митрополия (митрополит қўл остидаги диний округ ва унинг маркази); **Ки́евская** ~ Киев митрополияси.

МИФ *м* **1** миф, афсона; **~ о Промете́е** Прометей ҳақидаги афсона; **2** *перен.* афсона, уйдирма, ёлғон-яшиқ; **в би́тве под Москво́й был разби́т ~ о непобеди́мости фаши́зма** Москва остоналаридаги жангларда фашизмнинг енгилмаслиги ҳақидаги афсона барбод қилинди.

МИФИ́ЧЕСК/ИЙ, -ая, -ое 1 мифга, афсонага оид, уларга хос бўлган, мифик, афсонавий; миф...; **~ий о́браз** мифик образ; **2** *перен.* афсонавий, мисли кўрилмаган, мислсиз; **~ая ли́чность** афсонавий шахс; **3** *перен. разг.* афсонавий, уйдирма, таги, асоси йўқ; асоссиз, ёлғон; **~ое бога́тство** афсонавий бойлик.

МИФОЛОГИ́ЧЕСКИЙ, -ая, -ое мифологияга оид; мифологик; мифология...; **~ сюже́т** мифологик сюжет.

МИФОЛО́ГИЯ *ж* **1** мифология, мифлар, афсоналар; **гре́ческая** ~ юнон мифологияси (афсоналари); **2** мифология (мифларни, афсоналарни ўрганувчи фан).

МИФОТВО́РЧЕСТВО *с* миф тўқиш, афсоналар ижод этиш; афсоналар ижодиёти; **~ дре́вних наро́дов** қадимги халқларнинг афсоналар ижодиёти.

МИ́ЧМАН *м* мичман (1 совет армиясида: хизмат муддати тугагандан кейин ихтиёрий равишда хизматда қолган шахсларга бериладиган унвон ва шу унвондаги киши; **2** чор армиясида: энг қуйи офицерлик унвони ва шу унвондаги офицер).

МИ́ЧМАНКА *ж, р. мн.* **-нок** *разг.* мичманка (ҳарбий бош кийим тури).

МИ́ЧМАНСК/ИЙ, -ая, -ое мичман(лар)га оид; мичман(лар)...; мичманлик...; **~ое зва́ние** мичманлик унвони.

МИЧУ́РИНЕЦ *м, р.* **-нца** мичуринчи, Мичурин издоши.

МИЧУ́РИНСК/ИЙ, -ая, -ое Мичуринга, Мичурин таълимотига оид; Мичуринча; Мичурин..; **~е сорта́ плодо́вых дере́вьев** мевали дарахтларнинг Мичурин етиштирган навлари.

МИШЕ́ННЫЙ, -ая, -ое мишенли; мишень...; нишон...

МИШЕ́Н/Ь *ж* **1** мишень, нишон, мўлжал, қора; **стрельба́ по ~и** нишонга қараб отиш; **2** *перен.* бирор иш-ҳаракат объекти, мўлжал; **он всегда́ был ~ью для насме́шек** у доим масхара (объекти) бўлар эди.

МИ́ШКА *м, р. мн.* **-шек** *разг.* **1** айиқча, айиқ полвон; **2** ўйинчоқ айиқ(ча); **плю́шевый** ~ бахмал айиқ(ча); ✦ **~-олимпи́ец** олимпия айиқчаси (1980 йил Москва олимпиадасининг рамзи сифатида тайёрланган айиқча).

МИШУР/А *ж* **1** зар ип; зар; **тюбете́йки, вы́шитые ~о́й** зар дўппилар; **укра́сить ёлку ~о́й** арчани зар (иплар) билан ясатмоқ; **2** *перен.* усти ялтироқ, ичи қалтироқ нарса(лар); қалбаки нарса(лар).

МИШУ́РН/ЫЙ, -ая, -ое 1 зар ипга, зарга оид, зар тикилган; зардан тўқилган; зарбоф; **~ая парча́** зарбоф парча, зарбоф; **2** *перен.* усти ялтироқ, ёлғондакам, ясама; **~ая ро́скошь** ясама ҳашам.

МЛАДЕ́НЕЦ *м, р.* **-нца 1** чақалоқ, гўдак, ёш бола; **грудно́й ~** эмизикли бола, ҳали сутдан ажратилмаган бола; **2** *перен.* ғўр, хом одам, гўдак; **он ещё су́щий ~** у ҳали қипқизил гўдак; ✦ **избие́ние младе́нцев** *см.* **избие́ние.**

МЛАДЕ́НЧЕСКИЙ, -ая, -ое 1 чақалоқ(лар)га, гўдак(лар)га оид; уларга хос бўлган, чақалоқ...; **~ во́зраст** гўдаклик ёши; **2** *перен.* гўдакона, болаларча; **~ ле́пет** гўдакона ғудурлаш.

МЛАДЕ́НЧЕСТВ/О *с* болалик, гўдаклик; **охра́на матери́нства и ~а** оналикни ва болаликни сақлаш (муҳофаза қилиш).

МЛАДО́Й, -а́я, -о́е *уст. поэт.* ёш; ✦ **и стар и млад** ёшу қари, ҳамма, барча.

МЛАДОПИСЬМЕННЫ/Й, -ая, -ое *лингв.* яқинда (яқин ўтмишда) ёзув қабул қилинган; **~е языки́** яқинда ёзув қабул қилинган тиллар.

МЛАДШ/ИЙ, -ая, -ее 1 ёши кичик, ёшроқ, ёш, кенжа, энг кичик; **~ий брат** ука; (энг) кичик ука; **он в семье́ ~ий** оилада у энг кичик; кенжа; **~ее поколе́ние** ёш авлод; **2** кичик (даража, унвон ҳақида); **~ий лейтена́нт** младший лейтенант; **~ий нау́чный сотру́дник** кичик илмий ходим; **3** бошланғич, қуйи; **~ие кла́ссы** бошланғич (қуйи) синфлар.

МЛЕКОПИТА́ЮЩИЕ *мн., р.* **-их** (*ед.* **млекопита́ющее** *с*) *зоол.* сутэмизувчилар.

МЛЕ́ТЬ *несов.* **1** эс-ҳуши оғмоқ, эс-ҳушини йўқотмоқ, маҳлиё бўлмоқ, анқайиб қолмоқ; **~ от изумле́ния** ҳайратдан эс-ҳуши оғиб қолмоқ; **2** *разг.* уюшмоқ, увушмоқ; қотмоқ; **но́ги мле́ют** оёқлар(им) увушиб қоляпти.

МЛЕ́ЧНЫЙ, -ая, -ое *уст. поэт.* сутли; ✦ **~ сок** *бот.* сутсимон шира; **Мле́чный путь** *астр.* Somon йўли.

мне, (обо) мне *см.* **я; подойди́ ко ~** олдимга кел.

МНЕМО́НИКА *ж* мнемоника (хотирада тутиш, эсга олиш учун осонлик туғдирадиган усуллар мажмуи).

МНЕМОНИ́ЧЕСКИЙ, -ая, -ое мнемоникага оид; хотирада тутишни, эсга олишни осонлаштирадиган, мнемоник; мнемоника...; **~е приёмы** мнемоник усуллар.

МНЕНИ/Е *с* фикр, мулоҳаза; **благоприя́тное ~е** маъқул фикр; **обме́н ~ями** фикрлашув, фикр алмашинув; **общественное ~е** жамоат фикри, афкори омма; **вы́сказать своё ~е** ўз фикрини (фикр-мулоҳазаларини) баён қилмоқ; **разделя́ть** *чьё-л.* **~е** кимсанинг фикрини маъқулламоқ; **по**

www.ziyouz.com kutubxonasi

моему́ ~ю менингча; менинг фикримча; **быть одного́ ~я** *с кем-л.* кимса билан бир фикрда бўлмоқ; **быть хоро́шего ~я** *о ком-чём-л.* кимса, нарса тўғрисида яхши фикрда бўлмоқ.

МНИ́М/ЫЙ, -ая, -ое 1 хаёлий, хаёл (фараз) қилинган, таги-туги йўқ; **~ая опа́сность** таги-туги йўқ хатар; 2 ёлғондакам, ёлғон, сохта; **~ый больно́й** ёлғон(дакам) касал; ✦ **~ые чи́сла** *мат.* мавҳум сонлар.

МНИ́ТЕЛЬНОСТЬ *ж* васвослик, бадгумонлик, ҳар нарсадан шубҳаланиш, гумонсираш; **страда́ть ~ю** васвос бўлиб қолмоқ.

МНИ́ТЕЛЬНЫЙ, -ая, -ое; -лен, -льна васвос, бадгумон, ҳар нарсадан шубҳаланадиган, гумонсирайверадиган; **~ челове́к** васвос (бадгумон) одам; **~ хара́ктер** ҳар нарсадан шубҳаланавериш, бадгумонлик

МНИ́ТЬ, мню, мнишь *несов. уст.* 1 ўйламоқ, хаёл қилмоқ; 2 деб билмоқ, ўйламоқ, фаҳмламоқ, гумон қилмоқ; **мно́го ~ о себе́** ўзини катта фаҳмламоқ, ўзини катта олмоқ, катта тутмоқ; **он мнит себя́ учёным** у ўзини олим (деб) фаҳмлайди.

МНИ́ТЬСЯ, мни́тся *несов. безл. уст. кому* и *без доп.* хаёлига келмоқ, ...га ўхшамоқ, ...гандек бўлмоқ, туюлмоқ.

МНОГ/ИЙ, -ая, -ое 1 анча-мунча кўп; **~ие лю́ди** кўп одамлар; **~ие го́ды** кўп (узоқ) йиллар; **на протяже́нии ~их лет** кўп (узоқ) йиллардан бери; кўп (узоқ) йиллар мобайнида; **во ~их отноше́ниях** кўп жиҳатдан (томондан); **ци́фра со ~ими нуля́ми** кўп нолли рақам; 2 *в знач. сущ.* **~ие** *мн.* кўплар, кўп одамлар; **~ие так ду́мают** кўплар (кўп одамлар) шундай (деб) ўйлайди; **~ие из нас** кўпимиз, кўпчилигимиз; 3 *в знач. сущ.* **~ое** *с* кўп нарса; **~ое я не знал** мен кўп нарсаларни билмас эдим; мен кўп нарсалардан бехабар эканман; **он во ~ом прав** у кўп жиҳатдан (кўп масалада) ҳақли; **я ему́ ~им обя́зан** мен ундан кўп миннатдорман.

МНО́ГО *нареч.* 1 кўп, анча, бир талай; **~ рабо́тать** кўп ишламоқ; **~ знать** кўп (нарса) билмоқ; **о́чень ~** жуда кўп; анча-мунча; **так ~, что...** шундай кўпки...; **их бы́ло дово́льно ~** улар анча-мунча (талайгина) эди; **в семье́ ~ дете́й** оилада болалар кўп; **э́того мне сли́шком ~** бу менга кўплик қилади; **э́то случа́лось ~ раз** бу (иш, ҳол ва ш. к.) кўп марта бўлган; **~ лет спустя́** кўп (бир неча) йил ўтгандан кейин; **он ~ потеря́л, что не был на вы́ставке** у выставкага бормай кўп нарса йўқотди; 2 кўп деганда, ортиғи, кўпи билан; **пройдёт год, ~ — два** бир йил ўтар, кўп деганда икки йил ўтар; 3 анча, бирмунча, хила; **он ~ умне́е други́х** у бошқалардан анча ақлли; **~ лу́чше** анча (бирмунча, хила) тузук; ✦ **~ ду́мать о себе́** ўзига бино қўймоқ, ўзини катта фаҳмламоқ; **ни ~ ни ма́ло** оз ҳам эмас, кўп ҳам эмас; оз эмас-овлоқ эмас; **~ воды́ утекло́** кўп вақт ўтди; кўп дарахтлар кесилиб кетди.

МНОГОАКТН/ЫЙ, -ая, -ое кўп актли, кўп пардали; **~ая пье́са** кўп актли пьеса.

МНОГОБО́ЖИЕ *с* кўп худолилик, бир неча худога ишониш, политеизм; *ср.* **единобо́жие.**

МНОГОБО́РЕЦ *м, р.* **-рца** *спорт.* кўпкурашчи.

МНОГОБО́РЬЕ *с спорт.* кўпкураш.

МНОГОБРА́ЧИЕ *с* кўп никоҳлилик, полигамия (кўп хотин билан ёки кўп эркак билан никоҳда бўла олиш); *ср.* **единобра́чие.**

МНОГОВА́ТО *нареч. разг.* кўпроқ, ошиқча; кўп, анча, анча-мунча; **рабо́ты оказа́лось ~** иш кўпроқ (кўпгина) экан.

МНОГОВЕКОВ/ОЙ, -а́я, -о́е кўп асрли, асрлар бўйи давом этиб келган; **~а́я культу́ра** кўп асрли маданият.

МНОГОВЛА́СТИЕ *с* кўпҳокимиятчилик (бир ҳуқуқдаги бир неча идоранинг мавжудлиги).

МНОГОВОДН/ЫЙ, -ая, ое; -ден, -дна 1 суви кўп, сершув; **~ая река́** сершув дарё; 2 сувга бой, сувга бемалол, суви мўл, сув кўп; сероб; **~ый край** суви мўл ўлка.

МНОГОВО́ДЬЕ *с* сув кўп вақт; сувнинг кўплиги, сероблиги.

МНОГОГОВОРЯЩ/И́Й, -ая, -ее сермаъно, сермазмун, маънодор, мазмундор; **~и́й взгля́д** маънодор қараш; **~е фа́кты** кўп нарсаларни очиб берадиган (кўрсатадиган) фактлар.

МНОГОГОЛО́В/ЫЙ, -ая, -ое 1 кўп бошли; **~ая ги́дра** кўп бошли аждар; 2 одамлар (ёки туёқлар) сони кўп, кўп сонли; **~ая толпа́** оломон, халойиқ.

МНОГОГОЛО́СИЕ *с* 1 *муз.* кўп овозлилик, полифония; 2 *разг.* ғовур-ғувур шовқин; ғовур-ғувур, гангир-гунгур.

МНОГОГОЛО́СНЫЙ, -ая, -ое *то же, что* **многоголо́сый.**

МНОГОГОЛО́С/ЫЙ, -ая, -ое 1 *муз.* кўп овозли, полифоник; **~ый хор** кўп овозли хор; **~ое пе́ние** кўп овозли қўшиқ айтиш, куйлаш; 2 кўп овоздан, ҳар хил товушлардан ташкил топган, кўп товушли, шовқинли; **~ый гул** ғовур-ғувур; **~ая толпа́** шовқинли оломон.

МНОГОГРА́ННИК *м мат.* кўпёқлик.

МНОГОГРА́ННЫЙ, -ая, -ое; -нен, -нна 1 кўп ёқли; кўп қиррали; **~ у́гол** *мат.* кўп ёқли бурчак; **~ алма́з** кўп қиррали олмос; 2 *перен.* ҳар тарафлама, серқирра; **~ тала́нт** серқирра талант.

МНОГОДЕТН/ЫЙ, -ая, -ое; -тен, -тна кўп болали, бола-чақаси кўп, серфарзанд, аёлманд; **~ая мать** кўп болали она.

МНОГОДНЕ́ВНЫЙ, -ая, -ое бир неча кунли; бир неча кун давом этган (этадиган); **~ путь** бир неча кунли йўл.

МНОГОЖЕ́НЕЦ *м. р.* **-нца** кўп хотинли (кўп хотин олган) киши.

МНОГОЖЕ́НСТВО *с* кўп хотинлилик, кўп хотин олиш.

МНОГОЗЕМЕ́ЛЬЕ *с* ернинг кўплиги; кўп ерлилик.

МНОГОЗЕМЕ́ЛЬНЫЙ, -ая, -ое; -лен, -льна ери кўп, кўп ерли; **~ совхо́з** ери кўп совхоз.

МНОГОЗНАЧИ́ТЕЛЬНО *нареч.* маънодор (мазмундор) қилиб, маънодор, мазмундор; **~ взгляну́ть** маънодор қараб қўймоқ.

МНОГОЗНАЧИ́ТЕЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое; -лен, -льна 1 катта аҳамиятга эга бўлган, муҳим, аҳамиятли; **~ое собы́тие** муҳим воқеа; 2 маънодор, мазмундор, сермазмун, сермаъно; **~ая улы́бка** маънодор табассум.

МНОГОЗНА́Ч/НЫЙ, -ая, -ое; -чен, -чна 1 *мат.* кўп қийматли, бир неча қийматга эга бўлган, бир неча қиймат ола оладиган; **~ый аргуме́нт** кўп қийматли аргумент; 2 *мат.* кўп хонали; **~ое число́** кўп хонали сон; 3 *лингв.* кўп маъноли, бир неча маъно ифодалайдиган; **~ое сло́во** кўп маъноли сўз.

МНОГОКАНА́ЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое кўп каналли, бир неча канали бўлган; **~ая радиосвя́зь** кўп каналли радиоалоқа; **~ая аппарату́ра** кўп каналли аппаратура.

МНОГОКИЛОМЕ́ТРОВ/ЫЙ, -ая, -ое кўп километрли, бир неча километрга чўзилган; **~е го́нки** кўп километрли пойга.

МНОГОКЛЕ́ТОЧН/ЫЙ, -ая, -ое *биол.* кўп ҳужайрали; **~е расте́ния** кўп ҳужайрали ўсимликлар.

МНОГОКРА́ТНО *нареч.* бир неча бор, такрор-такрор; қайта-қайта; **~ напомина́ть** такрор-такрор эслатмоқ.

МНОГОКРА́ТН/ЫЙ, -ая, -ое; -тен, -тна 1 кўп каррали, бир неча бор (қайта-қайта) такрорланган, такрор-такрор, қайта-қайта; **~е вопро́сы** такрор-такрор саволлар; **~й допро́с** қайта-қайта сўроқ; бир неча бор сўроқ қилиш; 2 бир неча марта катталаштирилган (катталаштирадиган); **~й бино́кль** бир неча марта катталаштирадиган бинокль; ✦ **~й глаго́л** *грам.* такрорий феъл.

МНОГОЛА́МПОВЫЙ, -ая, -ое кўп лампали; **~ радиоприёмник** кўп лампали радиоприёмник.

МНОГОЛЕ́ТИЕ *с* 1 *уст. то же, что* **долголе́тие;** 2 *церк.* узоқ умр тилаш (черковдаги ибодат вақтида).

МНОГОЛЕ́ТНИ/Й, -яя, -ее 1 кўп йиллик, кўп (узоқ) йиллар давом этган, этадиган; **~й труд** кўп йиллик меҳнат; 2 кўп яшаган, узоқ умр кўрган, кекса; **~й ста́рец** кекса чол; 3 *бот.* кўп йиллик; **~е тра́вы** кўп йиллик ўтлар.

МНОГОЛЕ́ТНИК *м бот.* кўп йиллик ўсимлик (ўт, гул); **цветы́-~и** кўп йиллик гуллар.

МНОГОЛИК/И́Й, -ая, -ое 1 кўп қиёфали, ҳар хил одамлардан иборат; **~ая толпа́** ҳар хил одамлардан иборат оломон; 2 турли-туман, ҳар хил, ранго-ранг; **~ая жизнь** ранго-ранг ҳаёт.

МНОГОЛЮ́ДНО *безл. в знач. сказ.* одам кўп, гавжум; **в за́ле бы́ло ~** залда одам кўп эди; зал гавжум эди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

МНОГОЛЮДНОСТЬ *ж* одамларнинг кўплиги, аҳолининг, халқнинг кўплиги; гавжумлик.

МНОГОЛЮДН/ЫЙ, -ая, -ое; -ден, -дна кўп кишилик, одам (аҳолиси, халқи) кўп бўлган; одам(лар) кўп қатнашган, гавжум; ~**ое собра́ние** кўп кишилик мажлис, одам кўп бўлган (қатнашган) мажлис; ~**ый го́род** одам (аҳолиси, халқи) кўп шаҳар, гавжум шаҳар.

МНОГОЛЮДСТВО *с то же, что* **многолю́дность.**

МНОГОЛЮДЬЕ *с то же, что* **многолю́дность.**

МНОГОМЕ́СТНЫЙ, -ая, -ое кўп ўринли; ~ **авто́бус** кўп ўринли автобус.

МНОГОМИЛЛИО́НН/ЫЙ, -ая, -ое кўп миллионли, бир неча миллиондан ташкил топган; миллион-миллион; ~**ый сове́тский наро́д** кўп миллионли совет халқи; ~**ая а́рмия борцо́в за мир** тинчлик учун курашувчиларнинг кўп миллионли армияси.

МНОГОНАЦИОНА́ЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое; -лен, -льна кўп миллатли; ~**ое Сове́тское госуда́рство** кўп миллатли Совет давлати.

МНОГОНАЧА́ЛИЕ *с* бошлиқларнинг кўплиги, якка-бошчиликнинг йўқлиги.

МНОГОНО́ЖК/А *ж, р. мн.* **-жек** 1 *бот.* папоротникларга мансуб кўп йиллик ўсимлик; 2 *мн.* ~**и** *зоол.* кўпоёқ, мингоёқ.

МНОГООБЕЩАЮЩ/ИЙ, -ая, -ее 1 катта истиқболга эга бўлган, истиқболи (келажаги) порлоқ, истиқболли, умидли, бўладиган; ~**ий учёный** истиқболли олим; ~**ий ребёнок** бўладиган бола; 2 кўп нарса кутса, умид боғласа бўладиган, маънодор; ~**ее загла́вие кни́ги** китобнинг кўп нарса кутса бўладиган сарлавҳаси; ~**ая улы́бка** маънодор жилмайиш.

МНОГООБРА́ЗИЕ *с* турли-туманлик, хилма-хиллик, ранг-баранглик; ~ **явле́ний** ҳодисаларнинг хилма-хиллиги; ~ **живо́тного ми́ра** ҳайвонларнинг турли-туманлиги; ~ **цвето́в** ранг-туслариинг хилма-хиллиги.

МНОГООБРА́ЗН/ЫЙ, -ая, -ое; -зен, -зна турли-туман, хилма-хил, ранг-баранг, ранго-ранг; ~**ые явле́ния** хилма-хил (турли-туман) ҳодисалар; ~**ая расти́тельность Узбекиста́на** Ўзбекистоннинг хилма-хил ўсимликлари.

МНОГООТРАСЛЕВО́/Й, -а́я, -о́е кўп тармоқли, сертармоқ; ~**е се́льское хозя́йство** кўп тармоқли қишлоқ хўжалиги.

МНОГОПО́ЛЬЕ *с с.-х.* кўп далалилик, кўп пайкаллилик.

МНОГОПО́ЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое кўп далали, кўп пайкалли; ~**ая систе́ма севооборо́та** алмашлаб экишнинг кўп далали системаси.

МНОГОПРОФИЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое кўп профилли (соҳали); бир неча соҳани ўз ичига олган; ~**ая больни́ца** кўп профилли касалхона; ~**ый институ́т** кўп профилли (бир неча соҳа бўйича кадрлар тайёрлайдиган) институт.

МНОГОРЕЧИ́ВОСТЬ *ж* кўп гапириш, сергаплик, эзмалик; гапни чўзиш; ~ **ора́тора** нотиқнинг сергаплиги.

МНОГОРЕЧИ́ВЫЙ, -ая -ое 1 кўп гапирадиган, гапни чўзадиган, сергап, эзма; ~ **ора́тор** сергап нотиқ; 2 чўзилиб кетган, узун, узундан-узоқ; ~ **докла́д** чўзилиб кетган доклад; узун (узундан-узун) доклад.

МНОГОСЕМЕ́ЙН/ЫЙ, -ая, -ое; -е́ен, -е́йна 1 кўп болали, болалари кўп, аёлманд; ~**ый челове́к** кўп болали (болалари кўп) одам; 2 *в знач. сущ.* ~**ый** *м* кўп болали киши; ~**ая** *ж* кўп болали аёл; **по́мощь** ~**ым** кўп болалиларга ёрдам.

МНОГОСЕРИЙНЫЙ, -ая, -ое кўп серияли; ~ **телефи́льм** кўп серияли телефильм.

МНОГОСЛО́ВИЕ *с* ортиқча (кераксиз) сўзларнинг кўплиги, чўзилганлик, эзмалик; **утоми́тельное** ~ кишини чарчатадиган эзмалик.

МНОГОСЛО́ВНЫЙ, -ая, -ое; -вен, -вна ортиқча (кераксиз) сўзлари кўп, чўзилиб кетган, эзма; ~ **расска́з** чўзилиб кетган ҳикоя; ~ **расска́зчик** эзма ҳикоячи.

МНОГОСЛО́ЖН/ЫЙ I, -ая, -ое кўп бўғинли; ~**ое сло́во** кўп бўғинли сўз.

МНОГОСЛО́ЖНЫ/Й II, -ая, -ое; -жен, -жна *уст.* жуда мураккаб; чалкаш; ~**е обя́занности** жуда мураккаб вазифалар.

МНОГОСТАНО́ЧНИК *м* кўпстанокчи.

МНОГОСТАНО́ЧНИЦА *ж* кўпстанокчи аёл.

МНОГОСТАНО́ЧН/ЫЙ, -ая, -ое кўп станокда (бир вақтнинг ўзида бир неча станокда) ишлашга оид; ~**ое обслу́живание** кўп станокда ишлаш.

МНОГОСТВО́ЛЬНЫЙ, -ая, -ое кўп стволли; ~ **миномёт** кўп стволли миномёт.

МНОГОСТЕПЕ́ННЫ/Й, -ая, -ое кўп поғонали, кўп босқичли; поғонама-поғона (босқичма-босқич) олиб бориладиган; ~**е вы́боры** кўп поғонали сайловлар.

МНОГОСТО́ПНЫЙ, -ая, -ое *лит.* кўп мисрали, кўп туроқли; ~ **ямб** кўп туроқли ямб.

МНОГОСТОРО́ННИЙ, -яя, -ее; -о́нен, -о́ння 1 *мат.* кўп ёқли; ~**яя при́зма** кўп ёқли призма; 2 бир неча даҳлдор томон ўртасидаги, кўп томонлама; ~**ий догово́р** кўп томонлама шартнома; 3 *перен.* серқирра, ҳар тарафлама; ~**ий челове́к** ҳар тарафлама маълумотли одам; ~**яя де́ятельность** серқирра фаолият; ~**ие интере́сы** кўп (ҳар) нарсага қизиқиш.

МНОГОСТРАДА́ЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое; -лен, -льна кўп жафо тортган, азият чеккан, азоб-уқубатларни бошидан кечирган; жафокаш; уқубатли; ~**ый наро́д** жафокаш халқ; ~**ая жизнь** уқубатли ҳаёт.

МНОГОСТРУ́ННЫЙ, -ая, -ое кўп торли (музика асбоби).

МНОГОСТУПЕ́НЧАТ/ЫЙ, -ая, -ое кўп поғонали, кўп босқичли; ~**ая раке́та** кўп босқичли ракета.

МНОГОТИРА́ЖКА *ж, р. мн.* **-жек** многотиражка, кўп тиражли газета; **заводска́я** ~ завод многотиражкаси.

МНОГОТИРА́ЖН/ЫЙ, -ая, -ое кўп тиражли; кўп нусха(да) босилган, босиладиган; ~**ое изда́ние** кўп тиражли нашр.

МНОГОТО́МНИК *м* кўп томли асар (ёки тўплам).

МНОГОТО́МН/ЫЙ, -ая, -ое кўп томли; ~**ый слова́рь** кўп томли луғат; ~**ое собра́ние сочине́ний Ле́нина** Ленининг кўп томли асарлари тўплами.

МНОГОТО́ЧИЕ *с* кўп нуқта (тиниш белгиси).

МНОГОТРУ́ДНЫЙ, -ая, -ое; -ден, -дна *книжн.* жуда қийин, жуда оғир, машаққатли; ~ **путь** машаққатли йўл.

МНОГОТЫСЯ́ЧНЫЙ, -ая, -ое кўп мингли, бир неча мингдан ташкил топган, минглаб ҳисобланадиган, мингларча, минг-минг; ~ **отря́д механиза́торов се́льского хозя́йства** қишлоқ хўжалик механизаторларининг кўп минг кишили отряди.

МНОГОУВАЖА́ЕМЫЙ, -ая, -ое кўп ҳурматли, муҳтарам, азиз; ~ **Ива́н Ива́нович!** кўп ҳурматли Иван Иванович!

МНОГОУГО́ЛЬНИК *м мат.* кўпбурчаклик; **пра́вильный** ~ мунтазам кўпбурчаклик.

МНОГОУГО́ЛЬН/ЫЙ, ая, -ое кўп бурчакли; ~**ая фигу́ра** кўп бурчакли шакл.

МНОГОФА́ЗНЫЙ, -ая, -ое *тех.* кўп фазали; ~ **ток** кўп фазали ток.

МНОГОЦВЕ́ТНЫ/Й, -ая, -ое; -тен, -тна 1 ранг-баранг гулли, гулдор, ола-була; ~**й плато́к** ранг-баранг гулли рўмол(ча); 2 рангли, рангдор; ~**е рису́нки** рангдор расмлар; 3 *бот.* гули кўп, сергул; ~**е хризанте́мы** сергул хризантемалар.

МНОГОЧИСЛЕННЫ/Й, -ая, -ое 1 кўп сонли, кўп ададли, кўп кишили, сони, одами кўп, катта; ~**й отря́д** кўп сонли (кўп кишили) отряд, катта отряд; 2 кўп, кўпгина, талай; анча; ~**е наблюде́ния** кўпгина кузатишлар.

МНОГОЧЛЕ́Н *м мат.* кўпҳад.

МНОГОЧЛЕ́НН/ЫЙ, -ая, -ое 1 *спец.* кўп аъзоли, кўп мучали; 2 *мат.* кўпҳадли; ~**ое выраже́ние** кўпҳадли ифода.

МНОГОЭТА́ЖНЫ/Й, -ая, -ое кўп қаватли, қават-қават; ~**е дома́** кўп қаватли иморатлар.

МНОГОЯЗЫ́ЧН/ЫЙ, -ая, -ое; -чен, -чна кўп тилли; ҳар хил тилда сўзлашувчи; ~**ая толпа́** кўп тилли оломон; ~**ый слова́рь** кўп тилли луғат.

МНО́ЖЕСТВЕНН/ЫЙ, -ая, -ое кўп миқдорда бўлган (бўладиган), кўп учрайдиган; кўп миқдордаги, кўп, бир талай, анча-мунча; ~**ый след гу́сениц** гусеницаларнинг бир талай изи; ✦ ~**ое число́** *грам.* кўплик сон.

www.ziyouz.com kutubxonasi

МНОЖЕСТВ/О *с* 1 кўпдан-кўп, жуда кўп, кўпгина; анчагина, бирталай; ~ **о люде́й** жуда кўп одам(лар); ~**о слу́чаев** кўп ҳоллар; 2 *мат.* тўплам; **тео́рия ~** тўпламлар назарияси.

МНО́ЖИМОЕ *с, р.* **-ого** *мат.* кўпаювчи.

МНО́ЖИТЕЛЬ *м мат.* кўпайтирувчи.

МНО́ЖИТЕЛЬНЫЙ, -ая, -ое кўпайтирувчи, кўпайтирадиган; кўп нусха босиб чиқарадиган; ~ **аппара́т** кўпайтирувчи аппарат.

МНО́ЖИТЬ *несов.* 1 (*сов.* **помно́жить** и **умно́жить**) *что мат.* кўпайтирмоқ, кўпайтмоқ; ~ **два на три** иккини учга кўпайтирмоқ; 2 (*сов.* **умно́жить**) *кого-что высок.* кўпайтирмоқ, оширмоқ; кенгайтирмоқ; ~ **ря́ды нова́торов произво́дства** ишлаб чиқариш новаторларининг сафларини кенгайтирмоқ.

МНО́ЖИТЬСЯ, -ится *несов.* (*сов.* **умно́житься**) 1 кўпаймоқ, ошмоқ; кенгаймоқ; **мно́жатся успе́хи социалисти́ческого строи́тельства** социалистик қурилишнинг муваффақиятлари ошмоқда; 2 *страд. от* **мно́жить** 1.

мной, мно́ю *см.* **я**; ~ **дово́льны роди́тели** ота-онам мендан хурсанд.

МОБИЛИЗАЦИО́НН/ЫЙ, -ая, -ое мобилизацияга, сафарбарликка оид; мобилизацион, сафарбарлик...; мобилизация...; ~**ый план** мобилизация плани; ~**ая гото́вность** сафарбарликка шай (тайёр) бўлиб туриш; мобилизацияга тайёрлик; мобилизацион шайлик.

МОБИЛИЗА́ЦИЯ *ж* 1 *воен.* мобилизация, сафарбарлик; мобилизация (сафарбар) қилиш; ~ **а́рмии** армияни сафарбар қилиш; **всеоо́бщая** ~ умумий мобилизация; 2 мобилизация, сафарбар қилиш, тортиш, жалб этиш, ишга солиш, отлантириш; ~ **промы́шленности** саноатни сафарбар қилиш; ~ **всех ресу́рсов на ну́жды фро́нта** барча бойликларни (имкониятларни) фронт эҳтиёжларига жалб этиш.

МОБИЛИЗО́ВАННОСТЬ *ж* мобилизация (сафарбар) этилганлик; мобилизация (сафарбарлик) ҳолати.

МОБИЛИЗО́ВАННЫ/Й, -ая, -ое 1 *прич. от* **мобилизова́ть; кадровики́ и ~е офице́ры** кадрдаги ва мобилизация қилинган офицерлар; 2 *в знач. сущ.* **~й** *м* мобилизация (сафарбар) қилинганлар рўйхати.

МОБИЛИЗОВА́ТЬ, -зу́ю, -зу́ешь *сов. и несов.* 1 (*сов. также* **отмобилизова́ть**) *кого-что воен.* мобилизация қилмоқ, сафарбар қилмоқ; ~ **а́рмию** армияни мобилизация қилмоқ; 2 *кого-что на что* мобилизация қилмоқ, сафарбар этмоқ, тортмоқ, жалб қилмоқ, ишга солмоқ, отлантирмоқ; ~ **трудя́щихся на борьбу́ за дальне́йший подъём се́льского хозя́йства** меҳнаткашларни қишлоқ хўжалигини янада юксалтиришга отлантирмоқ.

МОБИЛИЗОВА́ТЬСЯ, -зу́юсь, -зу́ешься 1 *сов.* и *несов.* сафарбарлик ҳолатига келмоқ, сафарбар, шай бўлмоқ, шайланмоқ, отланмоқ; 2 *несов. страд. от* **мобилизова́ть.**

МОБИ́ЛЬНОСТЬ *ж* ҳаракатчанлик, чаққонлик; ~ **войск** қўшинларнинг ҳаракатчанлиги.

МОБИ́ЛЬНЫ/Й, -ая, -ое; -лен, -льна ҳаракатчан, чаққон; ~**е войска́** ҳаракатчан қўшинлар.

МОГИКА́НЕ *мн. (ед.* **могика́нин** *м,* **могика́нка** *ж)* 1 могиканлар (Шимолий Американанинг босқинчилар томонидан қириб юборилган ерли қабилаларидан бири); 2 *перен.* йўқолиб, нишонага битта қолган киши, нарса.

МОГИКА́НИН *м* могикан; *см.* **могика́не.**

МОГИКА́НКА *ж, р. мн.* **-нок** могиканка; *см.* **могика́не.**

МОГИ́Л/А *ж* 1 гўр, қабр, мозор; 2 *перен. в знач. сказ. разг.* икки дунёда ҳам ҳеч ким билмайди; икки дунёда ҳам ҳеч кимга айтмайди; **на него́ мо́жно положи́ться — ~а!** унга ишонса бўлади — икки дунёда ҳам ҳеч кимга айтмайди!; ✦ **бра́тская ~а** ўртоқлик мозори; **моги́ла Неизве́стного солда́та** Номаълум солдат қабри; **до (са́мой) ~ы** бош гўрга киргунча, то ўлгунча, умрнинг охиригача; бир умр; **найти́ (себе́) ~у** ўз гўрини (жойини) топмоқ, ҳалок бўлмоқ; **рыть** (или **копа́ть**) **~у** *кому* бировга гўр қазимоқ, бировга чуқур ковламоқ; **лечь** (или **сойти**) **в ~у** гўрга кирмоқ, ўлмоқ, вафот этмоқ; **свести́ в ~у** *кого* гўрга тиқмоқ, ўлдирмоқ; **смотре́ть** (или **гляде́ть**) **в ~у** қазоси яқин бўлмоқ; паймонаси тўлиб турмоқ; **унести́ (с собо́й) в ~у** нариги дунёга олиб кетмоқ; **быть на краю́ ~ы** гўр (ҳалокат) ёқасида бўлмоқ; **(стоя́ть) одно́й ного́й в ~е** бир оёғи ерда, бир оёғи гўрда бўлмоқ.

МОГИ́ЛКА *ж, р. мн.* **-лок** *уменьш. от* **моги́ла** 1.

МОГИ́ЛЬНИК *м* 1 эски қабристон, қадимги гўристон; **ски́фские ~и** скифларнинг қабристонлари; 2 *зоол.* қирон-қора.

МОГИЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое 1 гўрга, гўристонга оид; гўр...; қабр...; мозор...; ~**ый холм** гўр, гўртепа; ~**ый ка́мень** қабртош; ~**ый сон** қаттиқ уйқу; 2 гўрга, мозорга ўхшаган, гўрсимон; қабристондаги каби; ~**ый хо́лод** қабристондагидек совуқ; ~**ая тишина́** қабристондагидек жимжитлик; 3 гўр тагидан эшитилаётган бўғиқ, мудҳиш (товуш ҳақида).

МОГИ́ЛЬЩИК *м* 1 гўрков, гўр қазувчи; 2 *перен. чей* гўрков, йўқ қилувчи, маҳв этувчи; **пролетариа́т — ~ капитали́зма** пролетариат капитализм гўрковидир.

МОГУ́Ч/ИЙ, -ая, -ее 1 кучли, бақувват, баҳодир; ~**ий лев** кучли шер; ~**ий организ́м** баҳодир организм; ~**ая грудь** бақувват кўкраклар; 2 кучли, ўткир, азим; улкан; ~**ий тала́нт** ўткир талант; ~**ий дуб** азим дуб; ~**ая по́ступь** улкан қадамлар; 3 кучли, қудратли, азимкор, забардаст; ~**ая а́рмия** қудратли армия; ~**ий сове́тский наро́д** қудратли совет халқи.

МОГУ́ЩЕСТВЕННОСТЬ *ж* кучлилик, қудратлилик; ~ **госуда́рства** давлатнинг қудратлилиги.

МОГУ́ЩЕСТВЕНН/ЫЙ, -ая, -ое 1 кучли, қудратли, азимкор, забардаст; ~**ое Сове́тское госуда́рство** қудратли Совет давлати; 2 *перен.* азим, улкан, зўр, катта; ~**ое влия́ние пе́чати** матбуотнинг катта таъсири.

МОГУ́ЩЕСТВО *с* куч, қудрат, қувват; ~ **Сове́тской держа́вы** Совет давлатининг куч-қудрати.

МО́Д/А *ж* 1 мода; расм; одат; **сейча́с ~ на высо́кие ка́блуки́** ҳозир баланд пошна мода (расм) бўлган; ~**а ко́ротко стричь во́лосы** сочни калта қирқтириш мода (расм) бўлипти; **ввести́ в ~у** модага киритмоқ, расм қилмоқ, ёймоқ; **вы́йти из ~ы** модадан чиқмоқ, оёқдан қолмоқ; **быть оде́тым по ~е** модага мувофиқ кийинмоқ; **э́то вошло́ в ~у** бу мода (расм) бўлди (бўлган, бўлипти); 2 *мн.* **~ы** мода, модалар; **ателье́** ~ модалар ателъеси; **журна́л** ~ модалар журнали; ~**ы сезо́на** фасл модалари; 3 *прост.* одат, юриш-туриш, сулукат; **что за ~а стуча́ть в дверь нога́ми!** оёқ билан эшик тақирлатиш — бу қанақанги одат (қанақаси)!

МОДА́ЛЬНОСТЬ *ж лингв.* модаллик; *см.* **moда́льный.**

МОДА́ЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое *лингв.* модал; ~**ое сло́во** модал сўз (сўзловчининг нутқ мазмунига муносабатини англатувчи сўз).

МОДЕЛИ́ЗМ *м тех.* моделизм, моделчилик.

МОДЕЛИ́РОВАНИЕ *с по гл.* **модели́ровать; ~ оде́жды** кийим моделини (андазасини) тайёрлаш; ~ **а́тома** атом моделини тузиш.

МОДЕЛИ́РОВАТЬ *сов.* и *несов. что* 1 моделини тайёрламоқ; андазасини (қолипини) ясамоқ, ишлаб чиқмоқ; схемасини тузмоқ; ~ **пла́тье** кийим моделини (андазасини) тайёрламоқ; ~ **иску́сственный язы́к** сунъий тил моделини (схемасини) тузмоқ; 2 *иск.* ҳайкални тарашламоқ, ишламоқ; 3 *иск.* расмга бўёқ бермоқ, расмга бўёқ бериб ишламоқ.

МОДЕЛИ́СТ *м* моделист, моделчи; **кружо́к ю́ных ~ов** ёш моделчилар тўгараги.

МОДЕЛИ́СТКА *ж, р. мн.* **-ток** 1 *см.* **моделист**; 2 моделистка, модали кийим тикувчи аёл.

МОДЕ́ЛЬ *ж* 1 модель, андаза, қолип; **но́вая ~ пальто́** пальтонинг янги модели; ~ **для литья́** қуйма қолипи; 2 модель, нусха; ~ **корабля́** кема модели; 3 модель, нусха, тип; **но́вая ~ самолёта** самолётнинг янги модели; 4 *спец.* модель, схема; ~ **а́тома** атом модели (схемаси); ~ **иску́сственного языка́** сунъий тил модели; ✦ **для моде́ли** *прост.* кўз-кўз қилиш учун; савлат учун.

МОДЕЛЬЕ́Р *м* модельер (кийимларнинг моделини ишлаб чиқувчи мутахассис); ~ **да́мского пла́тья** аёллар кийими модельери.

МОДЕ́ЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое 1 моделга оид; модель...; ~ **цех** модель цехи (моделлар тайёрлайдиган цех); 2 *в знач. сущ.* **~ая** *ж* модель устахонаси; 3 модага мувофиқ ишланган, модали; ~**ые ту́фли** модали туфли.

МОДЕ́ЛЬЩИК *м* моделчи (модель ясовчи уста).

www.ziyouz.com kutubxonasi

МОДЕЛЬЩИЦА *м* моделчи аёл.

МОДЕРАТО *муз.* модерато (1 *нареч.* шошилмай, оҳиста; 2 *сущ.* ~*с нескл.* шошилмай, оҳиста ижро этиладиган музика асари).

МОДЕ́РН *м* 1 модерн, модернизм (19-аср охири—20-аср бошларида тасвирий санъатда юзага келган, ўша давр учун гўё «замонавий» бўлган формалистик оқим); 2 модали (замонавий) нарса; мода; замонавийлик; **в пого́не за ~ом** мода (замонавийлик) кетидан қувиб; 3 *в знач. неизм. прил.* модерн, модали, замонавий; **ме́бель ~** модали (замонавий) мебель; **та́нцы ~** модали (замонавий) рақс; **стиль ~** модерн услуб.

МОДЕРНИЗА́ТОР *м* модернизатор, модернизация қилувчи, замонавийлаштирувчи.

МОДЕРНИЗА́ЦИЯ *ж* модернизациялаш, модернизация қилиш; замонавийлаштириш (замон талабларига мувофиқ такомиллаштириш, янгилаш); **~ обору́дования** ускуналарни замонавийлаштириш.

МОДЕРНИЗИ́РОВАТЬ *сов.* и *несов. что* 1 модернизацияламоқ, модернизация қилмоқ, замонавийлаштирмоқ; **~ те́хнику** техникани замонавийлаштирмоқ; 2 ҳозирги замонга мослаб қайта ишламоқ, замонавийлаштирмоқ; **~ леге́нду** афсонани замонавийлаштирмоқ.

МОДЕРНИЗИ́РОВАТЬСЯ, -руется 1 *сов.* и *несов.* замонавийлашмоқ; 2 *несов. страд. от* **модернизи́ровать.**

МОДЕРНИ́ЗМ *м* модернизм (империализм даври буржуа санъати ва адабиётида реализмга зид бўлган йўналишларнинг умумий номи).

МОДЕРНИЗОВА́ТЬ, -зу́ю, -зу́ешь *сов.* и *несов. что то же, что* **модернизи́ровать.**

МОДЕРНИ́СТ *м* модернист, модернизм тарафдори.

МОДЕРНИ́СТСК/ИЙ, -ая, -ое модернизмга ва модернист(лар)га оид; модернизм руҳидаги, модернистик; **~ое иску́сство** модернизм руҳидаги санъат.

МОДЕРНО́ВЫЙ, -ая, -ое *разг. то же, что* **моде́рный.**

МОДЕ́РНЫ/Й, -ая, -ое *разг.* замонавий, модали; **~е та́нцы** замонавий (модали) рақслар.

МОДИ́СТКА *ж, р. мн.* **-ток** *уст.* модистка (шляпадўз ва аёллар кийимларини тикувчи хотин).

МОДИФИКА́ЦИ/Я *ж книжн.* 1 модификация, турланиш; кўринишини (шаклини ва ҳ. к.) ўзгартириш; 2 бошқа тури, хили, ўзгарган шакли, ҳолати; **град, и́ней — ~и льда** дўл, қиров музнинг бир шакли (кўриниши)дир.

МОДИФИЦИ́РОВАТЬ *сов.* и *несов. что книжн.* модификация қилмоқ, турламоқ, ўзгартирмоқ, ўзга кўринишга, шаклга келтирмоқ (киритмоқ).

МОДИФИЦИ́РОВАТЬСЯ, -руется *книжн.* 1 *сов.* и *несов.* турланмоқ, ўзгармоқ, бошқа кўринишга, шаклга келмоқ, кирмоқ; 2 *несов. страд. от* **модифици́ровать.**

МО́ДНИК *м разг.* модага берилган киши, модапараст, олифта, башанг, сатанг.

МО́ДНИЦА *ж разг.* модага берилган (модапараст) аёл, башанг (сатанг) аёл.

МО́ДНИЧАТЬ *несов. разг.* модага эргашмоқ, модага эргашиб кийимга зеб бермоқ, башанг (сатанг) кийинмоқ.

МО́ДНЫЙ, -ая, -ое; -ден, -дна 1 модали, расм бўлган; **~ костю́м** модали костюм; 2 кенг тарқалган, ҳаммага расм бўлган; **мо́дная пе́сенка** кенг тарқалган ашула; 3 мода(лар)га оид; мода...; **~ журна́л** мода(лар) журнали.

МОДУЛИ́РОВАТЬ *несов.* 1 *муз.* модуляцияланмоқ, тусланмоқ (мусиқий тон, товуш ҳақида); 2 *что физ.* модуляцияламоқ, модуляция қилмоқ, модулламоқ, ўзгартирмоқ; **~ ток** токни модуляцияламоқ.

МО́ДУЛЬ *м* модуль (1 *физ. тех.* аниқ фанларда баъзи муҳим коэффициентларнинг номи; **~ упру́гости** эластиклик модули; 2 *мат.* бир системадаги логарифмни бошқа системадаги логарифмга ўтказиш коэффициенти, шунингдек, катталикнинг абсолют қиймати; 3 *архит.* колонна асосининг радиуси).

МОДУЛЯ́ЦИЯ *ж* 1 *муз.* модуляция, тусланиш (мусиқий тон, товуш ҳақида); 2 *физ. тех.* модуляция, модуляциялаш, ўзгариш, ўзгартириш; **~ колеба́ний** тебранишларни модуллаш (ўзгартириш); тебранишларнинг ўзгариши.

МО́ДУС *м* 1 *филос.* модус, кўриниш, тур; 2 *книжн.* усул, тарз; ✦ **~ виве́нди** модус вивенди (икки давлат ва умуман икки томон ўртасидаги тинчлик).

МО́ЕЧНЫ/Й, -ая, -ое ювадиган, ювиш учун хизмат қиладиган; ювиш...; **~й аппара́т** ювадиган аппарат; **~е сре́дства** ювиш воситалари.

МО́ЖЕТСЯ: как живётся-~? *разг.* қалайсиз?; аҳволингиз қалай?

МОЖЖЕВЕ́ЛОВ/ЫЙ, -ая, -ое 1 арчага оид; арча...; **~ый куст** арча тупи; **~ая па́лка** арча таёқ(ча); 2 арча уруғи солинган; **~ая во́дка** арча уруғи солинган арақ.

МОЖЖЕВЕ́ЛЬНИК *м* арча, қора арча.

МО́ЖНО *безл. в знач. сказ.* 1 *с неопр.* мумкин; бўлади, имкони (имконияти) бор; **е́сли ~** агар мумкин бўлса; агар имкони (имконияти, иложи) бўлса; **э́то ~ сде́лать** буни қилса (бажарса, амалга оширса) бўлади; бунинг имкони (иложи) бор; **э́ту рабо́ту ~ вы́полнить за́ день** бу ишни бир кунда қилиш (бажариш) мумкин; 2 мумкин, жоиз; ижозат (рухсат) берилади, майли; **мне ~ оста́ться?** мен қолсам бўладими?, мен қолсам майлими?; **здесь ~ кури́ть?** бу ерда чекиш мумкинми?; бу ерда чекса бўладими?; ✦ **как ~** мумкин қадар, имкони (иложи) борича; **как ~ скоре́е** мумкин қадар тезроқ; **ну́жно как ~ ча́ще быва́ть на во́здухе** мумкин қадар очиқ ҳавода кўпроқ бўлиш керак; **~ сказа́ть** *вводн. сл.* дейиш (деб айтиш) мумкин; **он, ~ сказа́ть, лу́чший учени́к** уни энг яхши ўқувчи деб айтиш мумкин.

МОЗА́ИК/А *ж* 1 мозаика, қадама (терма) нақш ва шундай нақш ишлаш санъати; **древнери́мская ~а** қадимги Рим мозаикаси; **пол вы́ложен ша́хматной ~ой** пол шахмат шаклида кошинлар билан қопланган; 2 *перен.* аралаш-қуралаш нарса, қурама; мошкичири; **~а из цита́т** цитаталар қурамаси.

МОЗА́ИЧН/ЫЙ, -ая, -ое; -чен, -чна 1 мозаикага оид, қадама, кошинкор; мозаика...; **~ая мастерска́я** мозаика ишхонаси; **~ая карти́на** кошинкор нақш; 2 *перен.* аралаш-қуралаш, қурама.

МОЗГ *м* 1 мия; **головно́й ~** бош мия; **спинно́й ~** орқа мия; **сотрясе́ние ~а** миянинг лат ейиши, чайқалиши, пўла бўлиши; **рабо́та ~а** миянинг иши, ишлаши; мия фаолияти; 2 *перен.* ақл-идрок; **па́ртия — ~ рабо́чего кла́сса** партия ишчилар синфининг ақл-идрокидир; 3 мия, илик, мағиз; **ко́стный ~** илик; 4 *мн. ~и́* илик овқат; **теля́чьи ~и́** бузоқ илигидан тайёрланган овқат; ✦ **шевели́ть (или раски́дывать) ~а́ми** *прост. шутл.* мияни (каллани) ишлатмоқ, ўйлаб кўрмоқ; **~и́ набекре́нь** *у кого прост.* мияси жойида эмас, мияси айниган; **~и́ не ва́рят** *у кого прост.* мияси (калласи) ишламайди; **впра́вить ~и́** *кому прост.* ақлини жойига келтириб қўймоқ; **до ~а косте́й** суяк-суягигача, бутун вужуди билан, турган-битгани; **испо́рченный до ~а косте́й** суяк-суягигача бузилган.

МОЗГЛ/ЫЙ, -ая, -ое *прост.* нам, рутубатли, серёғин; **~ая пого́да** нам (ёки серёғин) об-ҳаво.

МОЗГЛЯВЫЙ, -ая, -ое *прост.* бўш, ланж, нимжон; **~ паренёк** нимжон бола.

МОЗГОВА́ТЬ, -гу́ю, -гу́ешь *несов. прост.* ўйламоқ, ўйлаб кўрмоқ.

МОЗГОВ/ОЙ, -а́я, -о́е 1 мияга оид; мия...; **~ы́е сосу́ды** мия томирлари; **~о́е заболева́ние** мия касаллиги; 2 илигa бор, иликли; **~а́я кость** иликли суяк; 3 *перен.* ақлий; **~о́й труд** ақлий меҳнат.

МОЗЖЕЧО́К *м, р.* **-чка́** *анат.* кичикмия.

МОЗЖЕЧКО́ВЫЙ, -ая, -ое *анат.* кичик мияга оид; кичикмия...

МОЗЖИТ/Ь, -и́т *несов. разг.* сирқирамоқ, сирқираб (зирқираб) оғримоқ; **повреждённая нога́ ~** лат еган оёқ сирқираб оғрияпти; **~ но́гу** *безл.* оёғим сирқираб кетяпти.

МОЗОЛИ́Н *м* қадоқ дори.

МОЗОЛИСТЫ/Й, -ая, -ое қадоқли, қадоқ босган, қаварган, серқадоқ; **~е ру́ки** қадоқ қўллар, серқадоқ қўллар.

МОЗО́ЛИТЬ *несов. разг. что* қадоқ қилмоқ, қавартирмоқ; **~ ру́ки** қўлни қадоқ қилмоқ; ✦ **~ глаза́** *кому прост.* кўз ўнгида ўралашиб жонга тегмоқ, хира бўлмоқ.

МОЗО́Л/Ь *ж* қадоқ; қаварик; **суха́я ~ь** қуруқ қадоқ; **у него́ все ру́ки в ~ях** унинг қўлларини қадоқ босган; **он натёр себе́ ~ь на нога́х** у оёқларини қадоқ қилибди; **унинг**

www.ziyouz.com kutubxonasi

оёқлари қадоқ бўлди (бўлибди); ✦ **наступить на (любимую) ~ь** *кому прост.* нозик жойига тегмоқ, нозик жойидан олмоқ.

МОЗО́ЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое 1 қадоққа оид; қадоқни йўқотадиган, қадоқ...; **~ый пла́стырь** қадоқни йўқотадиган пластирь; 2 *то же, что* **мозо́листый; ~ая рука́** қадоқ (қаварик) босган қўл; ✦ **~ый опера́тор** қадоқларни кесувчи ходим (ҳаммомларда).

МОЙ, -я́, -ё 1 *мест. притяж.* менга қарашли, меники, менинг; **~ оте́ц** менинг отам; **мой кни́ги** менинг китобларим; **э́то моё де́ло** бу менинг ишим; **това́рищи откровенно говори́ли о мои́х недоста́тках** ўртоқларим менинг камчиликларим ҳақида рўй-рост гапирдилар; **по моему́ мне́нию** менингча, менинг фикримча; 2 *в знач. сущ.* **моё** *с разг.* менга тегишли нарса, меники; **э́то моё** бу меники; **моего́ не тро́гай!** меникига (менинг нарсаларимга тегма(нг)!; 3 *в знач. сущ.* **мои́** *мн. разг.* меникилар, менинг оила аъзоларим, уйичларим, бола-чақаларим; 4 *в знач. сущ.* **мой** *м прост.* менинг эрим; **моя́** *ж прост.* менинг хотиним; рафиқам; ✦ **с моё** *разг.* мендек, менчалик, мен кўрган-кечирганимча; **поживёшь с моё** менинг ёшимга етганингда.

МО́ЙКА *ж, р. мн.* **мо́ек** 1 ювиш; 2 ювадиган машина, қурилма; ювиш машинаси (қурилмаси); **~ для зерна́** дон (ғалла) ювадиган машина (қурилма).

МО́ЙЩИК *м* ювувчи; ювиш машинасида (қурилмасида) ишловчи; **~ автомоби́лей** автомобилларни ювувчи.

МО́ЙЩИЦА *ж см.* **мо́йщик.**

МОКАСИ́НЫ *мн. (ед.* **мокаси́н** *м)* мокасин (1 Шимолий Америка ерли аҳолисининг бир турли оёқ кийими; 2 юмшоқ хом теридан юнгли томони сиртга қаратиб тикилган иссиқ пойабзал).

МО́ККО *с нескл.* мокко (кофе нави).

МО́КН/УТЬ, -ну, -нешь; мок, мо́кла *несов.* 1 ивимоқ, бўкмоқ, ҳўл (нам) бўлмоқ; шилта бўлмоқ; **~уть под дождём** ёмғирда ивимоқ (бўкмоқ); 2 ивиб (бўкиб, намда қолиб, нам тортиб) ишдан чиқмоқ, бузилмоқ, чиримоқ; **посе́вы ~ут от дождей́** экинлар ёмғирда қолиб чирияпти; 3 ивимоқ, ивиб етилмоқ; **лён ~ет** зиғир ивимоқда; 4 ҳўлланмоқ, фасоди оқмоқ; **ра́на ~ет** яранинг фасоди оқяпти.

МОКРЕ́Ц *м, р.* **-а́** *вет.* оқбош (отларда бўладиган бир хил яра).

МО́КРИЦА *ж* 1 эшакқурт; 2 бир турли ёввойи ўт.

МО́КРО *безл. в знач. сказ.* ҳўл, нам, шилта; **на у́лице ~** кўча нам (шилта); кўчада намгарчилик.

МОКРОТ/А *ж* балғам; **отха́ркивать ~у** балғам ташламоқ.

МОКРОТА *ж разг.* 1 намгарчилик, лойгарчилик, намлик; нам; 2 майда ёмғир, эзиб ёғаётган ёмғир.

МОКРО́ТНЫЙ, -ая, -ое балғамга оид; балғамли; балғам...

МО́КР/ЫЙ, -ая, -ое 1 ҳўл, нам, ивиган; **~ая тря́пка** ҳўл (нам) латта; **~ый снег** ҳўл қор; **~ая пого́да** ёғингарчилик, намгарчилик; 2 терчираган, нам тортган, нам (ҳўл) бўлган; **~ые сте́кла** терчираган ойна; **глаза́, ~ые от слёз** ёшланган кўзлар; ✦ **глаза́ на ~ом ме́сте** *у кого* йиғлоқ; **~ого ме́ста не оста́нется** *от кого* «асарини қолдирмай йўқ қиламан», «гумдон қиламан» каби маъноларда ишлатиладиган дўқ-пўписа; **~ое де́ло** *прост.* қонли жиноят (одам ўлдириш билан боғлиқ бўлган жиноий иш).

МО́КРЯДЬ *ж прост.* ёмғиргарчилик, ёғингарчилик, намгарчилик.

МОЛ I *м, предл.* **о мо́ле, на молу́** мол, тўлқинқайтаргич (портларда).

МОЛ II *частица прост.* эмиш; гўё эмиш, -миш; **сказа́ли, что он, мол, уе́хал** у кетди деб айтишди; у кетган эмиш.

МОЛВА́ *ж* овоза, дув-дув гап; миш-миш; довруқ; **людска́я ~** одамлар ўртасидаги (оғзидаги) миш-миш (гап); **о нём идёт дурна́я ~** унинг тўғрисида ёмон овоза тарқалган.

МО́ЛВИ/ТЬ, -влю, -вишь *сов. что уст.* гапирмоқ, сўзламоқ, айтмоқ, демоқ; **~ хоть сло́во!** бир оғиз (бўлса ҳам) гапир (гапириб, айтиб қўй)!; **не́ с кем сло́ва ~ть** гапиришадиган ҳеч ким йўқ.

МОЛДАВА́НЕ *мн. (ед.* **молдава́нин** *м,* **молдава́нка** *ж)* молдаванлар (Молдавия ССРнинг асосий аҳолисини ташкил этган халқ).

МОЛДАВА́НИН *м* молдаван; *см.* **молдава́не.**

МОЛДАВА́НКА *ж, р. мн.* **-нок** молдаванка; *см.* **молдава́не.**

МОЛДАВА́НСКИЙ, -ая, -ое молдаванларга оид; молдаванча; молдаван(лар)...; **~ та́нец** молдаванча рақс.

МОЛДАВСК/ИЙ, -ая, -ое Молдавияга ва молдаванларга оид; Молдавия...; молдаван(лар)...; молдаванча; **~ое вино́** Молдавия виноси; **~ий язы́к** молдаван тили.

МОЛЕ́БЕН *м, р.* **-бна** қисқа ибодат.

МОЛЕБСТВИЕ *с уст. то же, что* **моле́бен.**

МОЛЕ́КУЛА *ж* молекула.

МОЛЕКУЛЯРН/ЫЙ, -ая, -ое молекулага оид; молекуляр; молекула...; **~ый вес** молекуляр оғирлик; **~ая фи́зика** молекуляр физика.

МОЛЕ́ЛЬНАЯ *ж, р.* **-ой** *то же, что* **моле́льня.**

МОЛЕ́ЛЬНЫЙ, -ая, -ое ибодатга оид; ибодат...; **~ дом** *то же, что* **моле́льня.**

МОЛЕ́ЛЬНЯ *ж, р. мн.* **-лен** ибодатхона.

МОЛЕ́НИЕ *с* 1 ибодат қилиш, сиғиниш, ибодат; 2 ёлвориш, ўтиниш; ёлвориб (ўтиниб) сўраш; илтижо қилиш; илтижо.

МОЛЕСКИ́Н *м* молескин, шайтонтери (газмол тури).

МОЛЕСКИ́НОВЫЙ, -ая, -ое молескиндан қилинган; молескин...; шайтонтери...; **~е бри́юки** молескин (шайтонтери) шим.

МОЛИБДЕ́Н *м хим.* молибден.

МОЛИБДЕНИ́Т *м* молибденит (минерал).

МОЛИБДЕ́НОВ/ЫЙ, -ая, -ое молибденга оид; молибденли; молибден...; **~ая руда́** молибден рудаси; **~ая про́волока** молибден сим; ✦ **~ый блеск** *то же, что* **молибдени́т.**

МОЛИ́ТВ/А *ж* 1 ибодат қилиш, намоз ўқиш, сиғиниш; **идти́ на ~у** ибодат қилиш (намоз ўқиш) учун бормоқ; ибодатга (намозга) бормоқ; 2 ибодат; намоз, дуо (матни); жаноза намози; жаноза; **чита́ть ~у** намоз (ёки дуо) ўқимоқ.

МОЛИ́ТВЕННИК *м* ибодат (намоз, дуолар) тўплами, китоби.

МОЛИ́ТВЕННЫЙ, -ая, -ое ибодатга оид; ибодат қилинадиган, ибодат...; **~ дом** ибодатхона (мас., черков).

МОЛИ́ТЬ, молю́, мо́лишь *несов. кого-что высок.* ёлвормоқ, ўтинмоқ, ялинмоқ; илтижо қилмоқ; ёлвориб (ўтиниб) сўрамоқ; **~ о пощаде́** шафқат қилишни сўраб ёлвормоқ.

МОЛИ́ТЬСЯ, молю́сь, мо́лишься *несов.* 1 *(сов.* **помоли́ться)** *кому-чему* и *без доп.* ибодат қилмоқ, сиғинмоқ; дуо қилмоқ; **~ бо́гу** худога сиғинмоқ; **он мо́лится за вас** у сизни дуо қилади; 2 *на что* чўқинмоқ; **~ на крест** бутга чўқинмоқ; 3 *перен. на кого-что* сажда қилмоқ, топинмоқ; ер-кўкка ишонмаслик; **она́ мо́лится на сы́на** у ўғлини ер-кўкка ишонмайди.

МО́ЛК/НУТЬ, -ну, -нешь; молк и **мо́лкнул, мо́лкла** *несов. книжн.* тинмоқ, тинчимоқ, тўхтамоқ, жим (жимжит) бўлиб қолмоқ; **в лесу́ не ~ст пти́чий гам** ўрмонда қушларнинг чуғур-чуғури тинмайди.

МОЛЛЮ́СКИ *мн. (ед.* **моллю́ск** *м)* моллюскалар; **наземные ~и** қуруқлик моллюскалари; **морски́е ~** денгиз моллюскалари; **головоно́гие ~** бош-оёқли моллюскалар.

МОЛЛЮСКОВЫ/Й, -ая, -ое моллюска(лар)га оид; моллюск...; **~е ра́ковины** моллюск чиғаноқлари.

МОЛНИЕВИ́ДНЫЙ, -ая, -ое; -ден, -дна чақмоқ (яшин) кўринишидаги (шаклидаги); чақмоқсимон, яшинга ўхшаш, тўлқинли.

МО́ЛНИЕВ/ЫЙ, -ая, -ое чақмоққа оид; чақмоқ...; **~ая вспы́шка** чақмоқнинг чақнаши.

МОЛНИЕНО́СН/ЫЙ, -ая, -ое; -сен, -сна яшин тезлигидаги; яшиндек тез; шиддатли; **~ая побе́да** яшин тезлигидаги ғалаба; **~ый уда́р** шиддатли зарба.

МОЛНИЕОТВО́Д *м* яшинқайтаргич.

МОЛНИЕПОДО́БНЫЙ, -ая, -ое; -бен, -бна *то же, что* **молниевидный.**

МОЛНИРОВАТЬ *сов.* и *несов. что* и *о чём* молния бермоқ, молния телеграмма юбормоқ; **~ о хо́де боле́зни** касалликнинг кечиши ҳақида молния бермоқ (ошиғич телеграмма орқали хабар қилмоқ).

МО́ЛНИЯ *ж* 1 чақмоқ, яшин; **шарова́я ~я** шаровсимон чақмоқ; **сверкну́ла ~я** чақмоқ чақди; 2 ўт, чақнаш; **в гла-**

www.ziyouz.com kutubxonasi

за́х его́ сверкну́ла ~я унинг кўзларида ўт чақнаб кетди; 3 молния (ошиғич телеграмма); **послáть ~ю** молния (ошиғич телеграмма) юбормоқ; 4 молния (ошиғич равишда чиқарилган бюллетень, газета ва ш. к.); 5 молния (занжирсимон ёпқич); **ку́ртка на ~и** молнияли куртка; ✦ **ла́мпа-~я** йигирманчи лампа; **с быстрото́й ~и** яшин тезлигида, яшиндек тезлик билан.

МОЛОДА́ЙКА *ж, р. мн.* **-а́ек** *обл. то же, что* **молоди́ца.**

МОЛОДЁЖН/ЫЙ, -ая, -ое, ёшларга оид; ёшларга хос бўлган; ёшлар учун белгиланган; ёшлардан тузилган; ёшлар...; **~ая пе́сня** ёшлар қўшиғи; **~ая брига́да** ёшлар бригадаси; **~ое кафе́** ёшлар кафеси.

МОЛОДЁЖ/Ь *ж собир.* ёшлар, ёш-яланглар; йигит-қизлар; **демократи́ческая ~ь ми́ра** жаҳоннинг демократик ёшлари; **День сове́тской ~и** Совет ёшлари куни.

МОЛОДЕНЬКИЙ, -ая, -ое *ласк. от* **молодо́й** ёшгина, жуда ёш.

МОЛОДЕ/ТЬ *несов.* (*сов.* **помолодéть**) ёшармоқ; **~ть от ра́дости** қувончидан ёшариб кетмоқ; **населе́ние ~ет** аҳоли ёшармоқда (яъни, аҳоли ўртасида ёшлар сони кўпаймоқда).

МОЛОДЕЦ *м, р.* **-дца** ботир, мард, паҳлавон (рус халқ эртаклари қаҳрамони); **до́брый ~** ажойиб ботир.

МОЛОД/ЕЦ *м, р.* **-дца́ 1** барваста йигит, азамат, паҳлавон; **~е́ц — кровь с молоко́м** азамат йигит — икки юзи қип-қизил анордай; 2 *в знач. сказ.* яша, балли, баракалла, барака топ(кур), офарин, отангга раҳмат; қандингни ур; **он у нас ~е́ц** барака топкур яхши йигитларимиздан; **~е́ц, что пришёл** баракалла, жуда яхши келибсан (келиб, яхши қилибсан); 3 *уст.* прикашик, гумашта; 4 олчоқ(лар); малай(лар); 5 *в знач. нареч.* **~цо́м** азаматларча, мардонавор, мардона, дадил; жуда яхши; **держа́ться ~цо́м** дадил бўлмоқ, ўзини мардонавор тутмоқ, азаматлик қилмоқ; **вы вы́глядите ~цо́м** кўринишингиз жуда яхши; ✦ **~е́ц к ~цу́** ҳаммаси бирдек азамат; бир-биридан азамат.

МОЛОДЕ́ЦКИЙ, -ая, -ое *разг.* мардона, ботирларча, азаматлардек, мардонавор; **~ вид** мардонавор кўриниш.

МОЛОДЕ́ЧЕСТВО *с* мардлик, ботирлик, азаматлик, мардонавор иш-ҳаракат.

МОЛОДИ́Т/Ь, -и́т *несов. кого-что* ёшартирмоқ, ёш қилиб кўрсатмоқ; **э́тот наря́д её о́чень ~** бу либос уни жуда ёш қилиб кўрсатади (кўрсатяпти).

МОЛОД/И́ТЬСЯ, -ожу́сь, -оди́шься *несов.* ёш кўриниш учун ўзига оро бермоқ, ёш кўринишга уринмоқ; **он всё ещё ~и́тся** у ҳали ҳам ўзига оро бериб юради (ёш кўриниш учун); **~ я́щаяся же́нщина** (ёш кўриниш учун) ўзига оро бериб юрувчи аёл.

МОЛОДИ́ЦА *ж фольк.* и *обл.* ёш деҳқон аёл, қишлоқлик ёш жувон.

МОЛОДНЯ́К *м, р.* **-а́ 1** *собир.* ёш чорва моллари; **~ кру́пного рога́того скота́** ёш қорамол; 2 ёш ўрмон; 3 *собир. разг.* ёшлар, ёш-яланглар.

МОЛО́ДО *нареч.* ёшдек, ёшлардек, ёш; **~ вы́глядеть** ёш кўринмоқ.

МОЛОДОЖЁН *м* 1 *ед.* яқинда уйланган йигит, куёв; 2 *мн.* **~ы** келин-куёв(лар).

МОЛОД/О́Й, -а́я, -о́е; моло́же 1 ёш; **~а́я де́вушка** ёш қиз; **~ы́е избира́тели** ёш сайловчилар; 2 ёшларга хос бўлган, ёшлик...; **~о́й задо́р** ёшларга хос ғайрат; ёшлик ғурури; 3 *в знач. сказ.* ҳали ёш, ғўр, суяги қотмаган; ёшлик қилади; **мо́лод ты нас учи́ть** бизга ўргатиш учун ҳали ёшсан; бизга ўргатишга ёшлик қиласан; **вы мо́лоды так разгова́ривать** бу қабили ғаплашиш учун сизга ҳали эрта (ҳали вақт бор); 4 ёш, янги; **~ы́е огурцы́** янги (барра) бодринглар; **~а́я листва́** янги барглар; **~о́й дуб** ёш дуб; **~о́й писа́тель** ёш ёзувчи; **~ы́е специали́сты** ёш мутахассислар; 4 янги, яқинда ҳозирланган; **~о́е вино́** янги (яқинда солинган) вино; 5 *в знач. сущ.* **~о́й** *м* куёв; **~а́я** *ж* келин; **~ы́е** *мн.* келин-куёв(лар); ✦ **~о́й челове́к** яхши йигит! Йигитча! (мурожаат формаси); **из ~ы́х, да ра́нний** ўзи ёшлардан, ҳам чиллакироқ.

МОЛОДОСТ/Ь *ж* ёшлик; йигитлик; **в дни ~и** ёшлик чоғларида; **втора́я ~ь** иккинчи ёшлик (ёши улғайгандаги йигитлик ғайрати; улғайганда ғайрати тутиш, ғайратга кириш); **не пе́рвой ~и** ёши ўтиб қолган; **энди олма билан ўрик бўла олмайдиган.**

МОЛОДУ́ХА *ж прост.* 1 *то же, что* **молоди́ца;** 2 келин; келинчак.

МОЛОДЦЕВА́Т/ЫЙ, -ая, -ое йигитлардек, мардона, мардонавор, ботирона; дадил, тетик; **~ый вид** мардонавор кўриниш, тетик кўриниш; **~ая вы́правка** йигитлардек қадди ростлик; йигитлардек қаддини рост тутиш.

МОЛО́ДЧИК *м неодобр.* қўлидан ҳар қандай ёмон иш келадиган одам (йигит); олчоқ, малай, сотқин; **фаши́стские ~и** фашист олчоқлари.

МОЛОДЧИ́НА *м* и *ж разг.* яша, балли, баракалла, барака топ(кур), офарин, отангга раҳмат; қандингни ур; **он у нас ~** барака топкур яхши йигитларимиздан.

МО́ЛОДЬ *ж собир.* тухумдан чиққан майда балиқлар; ёш ниҳоллар.

МОЛОЖА́ВЫЙ, -ая, -ое ёшлардек, ёшдек, ёш кўринадиган; **~ мужчи́на** кўринишн ёш киши.

МОЛО́ЖЕ *см.* **молодо́й; де́ти ~ десяти́ лет** ўн ёшдан кичик болалар; **вы́глядеть ~ свои́х лет** ўз ёшига нисбатан ёшроқ кўринмоқ.

МОЛО́ЗИВО *с* оғизсут, оғиз сути.

МОЛО́КИ *мн.* (*ед.* **моло́ка** *ж*) балиқларнинг уруғ бези ва ундаги суюқлиқ.

МОЛОКО́ *с* 1 сут; **це́льное ~** қаймоғи олинмаган сут; **парно́е ~** янги соғилган сут; **грудно́е ~** кўкрак сути; **ове́чье ~** қўй сути; 2 сут маҳсулоти; сут-қатиқ; **купи́ть паке́т молока́** бир пакет сут олмоқ; **сгущённое ~** қуюлтирилган сут; **ки́слое ~** қатиқ; **ко́фе с ~м** сутли кофе; 3 ўсимлик шираси, сути; **минда́льное ~** бодом сути; 4 бўза, қоришма; **цеме́нтное ~** цемент бўзаси; ✦ **~ на губа́х не обсо́хло** *у кого* она сути оғзидан кетмаган, ғўдак.

МОЛОКОВО́З *м* молоковоз, сут ташийдиган машина.

МОЛОКОСО́С *м разг. пренебр.* она сути оғзидан кетмаган одам, хом, ғўр одам; ғўдак.

МО́ЛОТ *м* 1 болға, босқон, тўқмоқ; **серп и ~** ўроқ ва болға; 2 болға, тўқмоқ; **парово́й ~** буғ тўқмоқ; 3 *спорт.* тўқмоқ; ✦ **быть** (или **находи́ться** и т. п.) **ме́жду ~ом и нако́вальней** икки ўртада қолмоқ, ўт билан сув ўртасида қолмоқ.

МОЛОТИ́ЛКА *ж, р. мн.* **-лок** *с.-х.* молотилка, янчиш машинаси.

МОЛОТИ́ЛО *с с.-х.* ғалла янчадиган таёқ.

МОЛОТИ́ЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое янчадиган, ғалла янчиш учун белгиланган; янчиш...; **~ые рабо́ты** янчиш ишлари; **~ая маши́на** янчиш машинаси; **~ый ток** хирмон (ғалла хирмони).

МОЛОТИ́ЛЬЩИК *м* ғалла янчувчи.

МОЛОТИ́ЛЬЩИЦА *ж* ғалла янчувчи аёл.

МОЛОТИ́ТЬ, -очу́, -оти́шь *несов.* 1 *что* янчмоқ; **~ рожь** жавдар (буғдой) янчмоқ; 2 *перен. кого-что по чему, во что* дўппасламоқ, калтакламоқ, муштламоқ, урмоқ; дўқиллатмоқ, дўпиллатмоқ; **~ в дверь кулака́ми** эшикни мушт билан қоқмоқ (дукиллатмоқ); эшикни муштламоқ.

МОЛОТОБО́ЕЦ *м, р.* **-бо́йца** болға урувчи, босқончи, темирчи.

МОЛОТОВИ́ЩЕ *с* болға дастаси.

МОЛОТО́К *м, р.* **-тка́** *м* 1 болға, болғача, тўқмоқча; **сапо́жный ~** косибларнинг болғачаси; **крокетный ~** крокет тўқмоқчаси; **отбо́йный ~** отбойка болғаси; ✦ **с молотка́** (прода́ть, купи́ть) *уст.* ким ошди қилиб (сотмоқ, олмоқ).

МОЛОТО́Ч/ЕК *м, р.* **-чка 1** кичкина болға, болғача, тўқмоқча; 2 *спец.* тўқмоқча; **~ки роя́ля** рояль тўқмоқчалари.

МО́ЛОТ-РЫ́БА *ж* болғабалиқ.

МО́ЛОТЫЙ, -ая, -ое 1 *прич. от* **моло́ть** 1; 2 *в знач. прил.* туйилган, янчилган, тортилган; **~ пе́рец** туйилган гармдори; туйилган мурч.

МОЛО́ТЬ, мелю́, ме́лешь *несов. что* 1 (*сов.* **смоло́ть**) туймоқ, янчмоқ; тортмоқ; **~ рожь** ун тортмоқ (жавдар буғдойдан); **~ таба́к** тамаки янчмоқ; **~ мя́со** гўштни тўқмоқлаб юмшатмоқ; 2 *также без доп.* вайсамоқ, валдирамоқ; тилини бир қарич қилмоқ; **что ты ме́лешь!** нималар деб валдираяпсан!; **~ чепуху́** бўлмагур (маза-матраси йўқ, ма-

www.ziyouz.com kutubxonasi

за-бемаза) гапларни гапирмоқ; ✦ **~ языко́м** *то же, что* **моло́ть** 2.

МОЛО́ТЬБА *ж* 1 *по гл.* **молоти́ть** 1; **маши́нная ~** машинада янчиш; 2 хирмон (ғалла янчиш) вақти.

МОЛО́Х *м* катта офат, бало-қазо.

МОЛОЧА́Й *м* сутлама, ихрож (заҳарли оқ шира чиқарадиган ўт).

МОЛО́ЧЕН/ЫЙ, -ая, -ое янчилган, хирмон қилиб кўтариб олинган (галла ҳақида); **~ая рожь** янчилган жавдар.

МОЛОЧИ́ШКО *с:* **дети́шкам на ~** *шутл.* бола-чақа оғиз қимирлатиб туриши учун (зарур бўлган озгина пул, маблағ ҳақида).

МОЛО́ЧКО *с ласк. от* **молоко́.**

МОЛО́ЧНИК *м* 1 сут идиш; 2 *разг.* сут сотувчи киши.

МОЛО́ЧНИЦА I *ж* сут сотувчи аёл.

МОЛО́ЧНИЦА II *ж мед.* тил (оғиз) оқариши, еликиш (аксари чақалоқларда бўладиган касаллик).

МОЛОЧНОКИ́СЛЫЙ, -ая, -ое *хим.* сут кислотаси ҳосил қиладиган; сут кислота...; **~е бакте́рии** сут кислота ҳосил қиладиган бактериялар.

МОЛО́ЧНОСТЬ *ж* серсутлик, сутлилик, сут бериш; **~ коро́вы** сигирнинг серсутлиги (қанча сут бериши).

МОЛОЧНОТОВА́РН/ЫЙ, -ая, -ое сут-товар...; **~ая фе́рма** сут-товар фермаси.

МОЛО́ЧН/ЫЙ, -ая, -ое 1 серсут, сутли, сут берадиган, соғиладиган, соғин; **~ый скот** сутли (соғиладиган) чорва моллари; **~ая коро́ва** серсут сигир; соғин сигир; 2 сут савдоси (ёки сутчилик) билан шуғулланадиган; сутчилик...; **~ый магази́н** сут-қатиқ магазини; **~ая фе́рма** сутчилик фермаси; 3 сут бериб боқилган, сут бериб катта қилинган; **~ый теле́нок** сут бериб боқилган бузоқ; 4 сутли, сут солинган, сут қўшилган; сутдан қилинган; сут...; **~ая ка́ша** сутли каша; **~ая ри́совая ка́ша** ширгуруч; **~ая дие́та** сутли диета (парҳез); **~ый порошо́к** сут порошоги; 5 сут солинадиган; сут...; **~ая посу́да** сут идиш; 6 *хим.* сутда бўладиган, сутдан олинадиган; сут...; **~ая кислота́** сут кислотаси; 7 сут рангидаги, сутсимон оқ; хира; **~ое стекло́** хира ойна; 8 *в знач. сущ.* **~ая** *ж* сут маҳсулотлари магазини; 9 *в знач. сущ.* **~ое** *с* сутли овқат; **люблю́ ~ое** сутли овқатларни яхши кўраман; ✦ **~ые зу́бы** сут тишлар; **~ые бра́тья** эмишган ака-укалар; **~ые сёстры** эмишган опа-сингиллар; **~ая спе́лость** доннинг (ғалла экинининг) сут олган (думбил) вақти.

МОЛЧА *нареч.* 1 чурқ этмасдан, овоз чиқармай, индамай, жимгина, сукут сақлаб; **~ отойти́** жимгина четлашмоқ; 2 *перен.* сўзсиз, эътирозсиз; индамай.

МОЛЧАЛИ́ВОСТЬ *ж* камгаплик, индамаслик, минғайманслик.

МОЛЧАЛИ́В/ЫЙ, -ая, -ое 1 камгап, индамас, минғаймас; **~ая де́вушка** камгап қиз; 2 лом-лим демай (ғинг демай) қилинган; сўзсиз, эътирозсиз; **~ое согла́сие** лом-лим демай рози бўлиш (розилик билдириш); **~ое одобре́ние** сўзсиз (эътирозсиз) маъқуллаш; ✦ **~ые слёзы** овоз чиқармай йиғлаш, кўз ёши тўкиш.

МОЛЧА́ЛЬНИК *м* 1 *уст.* гапирмасликка, индамасликка қасам ичган монах; 2 *разг.* камгап одам, индамас, минғаймас.

МОЛЧА́ЛЬНИЦА *ж см* **молча́льник.**

МОЛЧА́НИ/Е *с* 1 *по гл.* **молча́ть**; 2 сукунат, сукут сақлаш, жимжитлик; **пять мину́т ~я** беш минутлик сукунат; **~е но́чи** тунги сукунат; **храни́ть ~е** сукут (сукунат) сақламоқ; индамай ўтиравермоқ; индамаслик; чурқ этмаслик; **прерва́ть ~е** сукунатни (жимликни) бузмоқ; ✦ **обойти́ ~ем** *что* оғизга олмай ўтмоқ, четлаб ўтмоқ, индамаслик.

МОЛЧА́НК/А *ж разг.* дим ўйини, пилдир-пис ўйини; дим; ✦ **игра́ть в ~у** *неодобр.* дим ўйнамоқ; ғаплашмаслик, оғиз очмаслик.

МОЛЧА́/ТЬ *несов.* 1 жим турмоқ, индамай турмоқ; сукут сақламоқ; индамаслик, гапирмаслик; **он ~л, не отвеча́я на вопро́сы** у индамасди, саволларга жавоб бермасди; 2 сир сақламоқ, оғиздан чиқармаслик, оғиз очмаслик, чурқ этмаслик; **об э́том на́до ~ть** бу ҳақда оғиз очмаслик (чурқ этмаслик) керак; **э́тот па́рень уме́ет ~ть** бу бола сир сақлай олади; 3 индамаслик. фикрини, дардини айтмаслик, минғаймаслик; ичимдагини топ деб тураверишш (юраверишш); 4 жимжит бўлиб кетмоқ, хат-хабар қилмаслик; **он молчи́т четвёртый ме́сяц** у тўрт ойдан бери жим-жит; ундан тўрт ойдан бери хат-хабар йўқ; 5 сўзсиз (эътирозсиз) рози бўлмоқ; кўнмоқ; индамаслик, лом-лим демаслик, ғинг демаслик.

МОЛЧКО́М *нареч.* индамасдан, билдирмасдан, енг ичида; **он всё де́лает ~** у ҳамма ишни билдирмасдан қилади.

МОЛЧО́К *м, р.* **-чка́** 1 *обл.* жимлик, жимжитлик, сукут, сукунат; 2 *в знач. сказ.* жим, бировга айтма, оғиз очма, чурқ этма; дамингни чиқарма; **об э́том ~!** бу ҳақда ҳеч кимга оғиз оча кўрма!

МОЛЧУ́Н *м, р.* **-а́** *разг.* камгап одам, индамас.

МОЛЧУ́НЬЯ *ж, р. мн.* **-ний** *разг.* камгап аёл, индамас.

МОЛЬ I *ж* куя; **сукно́, изъе́денное мо́лью** куя еган мовут.

МОЛЬ II *м спец.* 1 ёғочларни боғламай битта-битта оқизиш усули; 2 *в знач. нареч.* **мо́лем** боғламай, битта-битта; **сплавля́ть лес мо́лем** ёғочларни боғламай битта-битта оқизмоқ.

МОЛЬБ/А *ж высок.* илтижо, ўтинч, ёлвориш; ўтиниб (ёлвориб, худонинг зорини қилиб) сўраш; **внять ~а́м** илтижосига қулоқ солмоқ; **с ~о́й простира́ть ру́ки** худонинг зорини қилиб сўрамоқ.

МОЛЬБЕ́РТ *м* мольберт (рассомларнинг дастгоҳи).

МОМЕ́НТ *м* 1 момент, он, пайт, лаҳза; **в оди́н ~** бир онда, бир лаҳзада, бир нафасда, дам ўтмай; ўша онда; дарҳол; **в ~ вы́стрела** ўқ отилган (узилган) пайтда; ўқ отиш (узиш) пайтида; 2 пайт, фурсат, маврид, вақт; **благоприя́тный ~** қулай фурсат; **в да́нный ~** ҳозирги пайтда; ҳозир(да); **в любо́й ~** истаган пайтда; **упуска́ть ну́жный ~** фурсатни қўлдан бермоқ; 3 пайт, палла, маҳал; ўрин; **в оди́н из ~ов сраже́ния** жанг пайтларидан бирида; 4 томон, тараф, жиҳат; **отрица́тельный ~** салбий томон; **положи́тельные ~ы в рабо́те** ишнинг ижобий томонлари; ✦ **теку́щий ~** жорий (ҳозирги) пайт, ҳозирги вақт.

МОМЕНТАЛИ́СТ *м* тезкор сураткаш, фотограф.

МОМЕ́НТАЛЬНО *нареч.* дарҳол, дарров, бир онда, бирпасда, бир лаҳзада, жуда тез, дам ўтмай; шу онинг ўзида; **~ исче́знуть** бир онда йўқ (ғойиб) бўлмоқ; **~ реши́ть зада́чу** масалани бирпасда ҳал қилмоқ (ечмоқ).

МОМЕ́НТАЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое оний, бир лаҳзада (бирпасда, жуда тез) содир бўлган, дарров (дарҳол) бўладиган; бирпасли, бир лаҳзали; **~ый фотосни́мок** бирпасда тайёр бўладиган фотосурат; **~ое реше́ние** тез (дарҳол) қабул қилинган қарор.

МОНА́РХ *м* монарх, подшо, ҳокими мутлақ; **самодержа́вный ~** мустабид ҳоким, ҳуқуқи чекланмаган монарх (подшо).

МОНА́РХИЗМ *м* 1 монархизм, монархиячилик (давлат тузумининг бирдан-бир усули монархиядир, деб даъво қилувчи сиёсий оқим); 2 монархизм, монархия (подшо) давлати.

МОНА́РХИСТ *м* монархист, монархизм тарафдори.

МОНА́РХИСТКА *ж, р. мн.* **-ток** монархистка, монархист аёл.

МОНА́РХИСТСКИ/Й, -ая, -ое монархист(лар)га оид; монархистларга хос бўлган, монархистларча; **~е взгля́ды** монархистларча дунёқараш.

МОНА́РХИЧЕСК/ИЙ, -ая, -ое 1 монархияга асосланган, монархиячи; монархия...; подшо...; **~ое госуда́рство** монархия давлати; 2 монархизмга ва монархист(лар)га оид; монархизм руҳидаги; монархистик; **~ий за́говор** монархистлар фитнаси; **~ие организа́ции** монархистик ташкилотлар.

МОНА́РХИЯ *ж* монархия (ҳокимият бир кишининг — монархнинг қўлида бўлган давлат тузуми ва шундай давлатнинг ўзи); **абсолю́тная** (или **самодержа́вная**) ~ абсолют монархия; мустабид ҳокимият; **конституцио́нная ~** конституцияли монархия (подшо ҳуқуқлари конституция билан чекланган монархия).

МОНА́РШ/ИЙ, -ая, -ее монархга оид; монарх...; подшо..; **~ая во́ля** монарх (подшо) ихтиёри, хоҳиши.

МОНАСТЫ́РСКИ/Й, -ая, -ое 1 монастирга оид; монастирга қарашли; монастирь...; **~е зе́мли** монастирь ерлари;

www.ziyouz.com kutubxonasi

2 одамлардан ажралган ҳолдаги, ёлғизликдаги, дарвишона; **~й о́браз жи́зни** дарвишона ҳаёт.

МОНАСТЫ́РЬ *м, р.* **-ря́** 1 монастирь; **мужско́й ~** эркаклар монастири; **же́нский ~** аёллар монастири; **уйти́ в ~** монастирга кирмоқ, дунёдан бош олиб кетмоқ, тарки дунё қилмоқ; узлатга чекинмоқ; 2 монастирлик (монастирь ва унга қарашли ер-мулк); ✦ **подвести́ под ~** *прост.* панд бермоқ, балога дучор (тўғаноқ) қилмоқ.

МОНА́Х *м* 1 монах, роҳиб; **постри́чься в ~и** монах бўлмоқ, монахликка ўтмоқ; 2 дарвиш, зоҳид; тарки дунёчи; **жить ~ом** дарвишона яшамоқ.

МОНА́ХИНЯ *ж* монах аёл, монашка, роҳиба.

МОНА́ШЕНКА *ж, р. мн.* **-нок** *разг. то же, что* **мона́хиня.**

МОНА́ШЕСК/ИЙ, -ая, -ое монах(лар)га, монахиня(лар)га оид; монах...; (роҳиб)...; монахиня (монашка, роҳиба)...; **~ая ке́лья** монах (монашка) ҳужраси; 2 дарвишона, аскетик; **~ий о́браз жи́зни** дарвишона ҳаёт.

МОНА́ШЕСТВО *с* 1 монахлик, роҳиблик; **приня́ть ~** монах бўлмоқ; 2 *собир.* монахлар, роҳиблар.

МОНА́ШКА *ж, р. мн.* **-шек** *разг. то же, что* **мона́хиня.**

МОНГО́Л *м* монгол; *см.* **монго́лы.**

МОНГО́ЛКА *ж, р. мн.* **-лок** монголка, монгол аёл; *см.* **монго́лы.**

МОНГОЛОВЕ́ДЕНИЕ *ж* монголшунослик.

МОНГОЛОВИ́ДН/ЫЙ, -ая, -ое; -ден, -дна монголсимон, монгол кўринишидаги, монголларга ўхшаш; **~ое лицо́** монголсимон юз.

МОНГО́ЛЫ *мн. (ед.* **монго́л** *м,* **монго́лка** *ж)* монголлар (Монголия Халқ Республикасининг ва Ички Монголиянинг асосий аҳолисини ташкил этган халқ, монгол халқи).

МОНГО́ЛЬСК/ИЙ, -ая, -ое Монголияга ва монголларга оид, Монголияга ва монголларга хос бўлган; монголча; Монголия...; монгол...; **~ий язы́к** монгол тили; **~ая ло́шадь** монгол оти.

МОНЕ́Т/А *ж* танга-чақа (ёки тилла) пул; **серебряная ~а** танга; **ме́дная ~а** чақа; **золота́я ~а** олтин пул; **ме́лкая ~а** майда пул, танга-чақа; **разме́нная ~а** майда пул; **звонкая ~а** *уст.* жаранглама пул, жиринг чақа; ✦ **плати́ть той же ~ой** қилмишига (муомаласига) яраша жавоб бермоқ; дард деса, бало демоқ; **принима́ть** *что* **за чи́стую ~у** рост (чин, ҳақиқат) деб билмоқ, лақ этиб ишонмоқ.

МОНЕ́ТНИК *м то же, что* **монеторазме́нник.**

МОНЕ́ТНЫЙ, -ая, -ое 1 танга-чақага, олтин пулга оид; **~ фонд** (танга-чақа, олтин) пул фонди; 2 зарб қиладиган; (танга, чақа, медаль ва ҳ. к.) босадиган; **~ стано́к** (танга-чақа ва ҳ. к.) зарб қиладиган станок; ✦ **~ двор** зарбхона.

МОНЕТОРАЗМЕ́ННИК *м* пул (танга-чақа) майдалайдиган аппарат, қурилма.

МОНЕТОРАЗМЕ́ННЫЙ, -ая, -ое пул (танга-чақа) майдалайдиган.

МОНЕ́ТЧИК *м* зарбхона ишчиси.

МОНИ́ЗМ *м* монизм (дунёнинг негизи битта — руҳ ёки материя — деб билувчи философик таълимот); **нау́чный материалисти́ческий ~** илмий материалистик монизм.

МОНИ́СТ *м* монист, монизм тарафдори.

МОНИСТИ́ЧЕСКИЙ, -ая, -ое монизмга асосланган, дунёнинг негизи битта деб билувчи, монистик; **~ взгля́д на мир** дунёга монистик (яъни унинг негизи битта) деб қараш.

МОНИ́СТО *с* маржон, чўлпи.

МОНИТО́Р *м* 1 *морск.* монитор (қирғоқдаги объектлар мудофааси ёки уларга ҳужум қилиш учун белгиланган ҳарбий кема); 2 *то же, что* **гидромонито́р.**

МОНОГА́МИЯ *ж то же, что* **единобра́чие.**

МОНОГА́МН/ЫЙ, -ая, -ое; -мен, -мна бир никоҳли, бир никоҳлиликка асосланган; **~ая семья́** бир никоҳли оила.

МОНОГРА́ММА *ж* монограмма (исми, отасининг исми ва фамилияси бош ҳарфларидан тузилган безак шаклидаги шартли белги).

МОНОГРАФИ́ЧЕСК/ИЙ, -ая, -ое монографияга оид; монографик; монография..; **~ое иссле́дование** монографик тадқиқот.

МОНОГРА́ФИЯ *ж* монография (бир масалага, темага бағишланган илмий асар); **~ о жи́зни и тво́рчестве Абдулы́ Кадыры́ Абдулла** Қодирий ҳаёти ва ижодига бағишланган монография.

МОНОКЛЬ *м* монокль (бир кўзга тутиладиган кўзойнак ёки дурбин).

МОНОКУЛЬТУ́РА *ж с.-х.* монокультура (бир ерга ҳамиша бир хил экин экиш).

МОНОЛИ́Т *м* 1 монолит, яхлит тош (харсанг) ва ундан ясалган нарса; 2 яхлит (бирбутун) нарса.

МОНОЛИ́ТНОСТЬ *ж* 1 яхлитлик, бирбутунлик; **~ го́рной поро́ды** тоғ жинсининг яхлитлиги; 2 *перен.* монолитлик, бирбутунлик, метиндек мустаҳкам жипслашганлик, ҳамжиҳатлик; **~ коллекти́ва** коллективнинг бирбутунлиги, жипслашганлиги.

МОНОЛИ́ТН/ЫЙ, -ая, -ое; -тен, -тна 1 яхлит, бирбутун; **~ые колóнны** яхлит (бирбутун) колонналар; 2 *перен.* монолит, бирбутун, метиндек мустаҳкам жипслашган, ҳамжиҳат; **~ая коммунисти́ческая па́ртия** монолит (метиндек мустаҳкам жипслашган) коммунистик партия.

МОНОЛО́Г *м* монолог (сўзловчининг ўзига ёки тингловчиларга, томошабинларга қаратилган нутқи); **сцени́ческий ~** саҳна монологи; **~ Ча́цкого** Чацкий монологи.

МОНОПЛА́Н *м* моноплан (бир қават қанотли самолёт).

МОНОПОЛИЗА́ЦИЯ *ж по гл.* **монополизи́ровать; ~ торго́вли** савдони монополияга айлантириш.

МОНОПОЛИЗИ́РОВАТЬ *сов.* и *несов. что* монополизация қилмоқ, монополия қилиб олмоқ (қўймоқ), монополияга айлантирмоқ; **~ вне́шнюю торго́влю** ташқи савдони монополия қилиб олмоқ (қўймоқ).

МОНОПОЛИЗИ́РОВАТЬСЯ, -руется 1 *сов.* и *несов.* монополия бўлмоқ, монополияга айланмоқ; 2 *несов. страд. от* **монополизи́ровать.**

МОНОПОЛИ́СТ *м* 1 монополист, монополиячи (бирор соҳани монополия қилиб, танҳо эгаллаб олган шахс, ташкилот); 2 монополист, йирик капиталист.

МОНОПОЛИСТИ́ЧЕСК/ИЙ, -ая, ое 1 монополияга асосланган, монополистик; **~ий капита́л** монополистик капитал; 2 монополияга қарашли; монополиядан иборат бўлган, монополистик; **~ое объедине́ние** монополистик бирлашма.

МОНОПОЛИ́СТСК/ИЙ, -ая, -ое монополист(лар)га оид; монополистлардан (монополиячилардан) ташкил топган; **~е сою́зы капитали́стов** монополиячи капиталистлар иттифоқи.

МОНОПО́ЛИ/Я *ж* 1 монополия (бирор нарса ишлаб чиқаришда, бирор нарсадан фойдаланишда ва у билан савдо қилишда, бир киши ёки ташкилот, давлат қўлида бўлган танҳо ҳуқуқ); **капитали́стическая ~я** капиталистик монополия; **~я вне́шней торго́вли** ташқи савдо монополияси; **установи́ть госуда́рственную ~ю** *на что-л.* бирор нарсани давлат монополияси деб эълон қилмоқ; 2 монополия, йирик капиталистик бирлашма.

МОНОПО́ЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое монополияга, танҳо эгаликка асосланган, монополияли, монопол, танҳо; **~ое по́льзование** *чем-л.* бирор нарсадан танҳо фойдаланиш.

МОНОРЕ́ЛЬС *м* монорельс (бир изли осма йўл).

МОНОРЕ́ЛЬСОВ/ЫЙ, -ая, -ое бир изли, бир рельсли; **~ая доро́га** бир изли (рельсли) осма йўл.

МОНОТЕИ́ЗМ *м то же, что* **единобо́жие.**

МОНОТЕИСТИ́ЧЕСК/ИЙ, -ая, -ое монотеизмга, бирхудоликка асосланган, монотеистик, бир худоли; худони битта деб билувчи, бир худога ишонувчи; **~ое уче́ние** монотеистик таълимот; **~ая рели́гия** монотеистик дин.

МОНОТИ́П *м полигр.* монотип (текстларни ҳарфма-ҳарф қўйиб терадиган машина).

МОНОТИПИ́СТ *м* монотипчи, монотипда ҳарф терувчи.

МОНОТИ́ПНЫЙ, -ая, -ое *полигр.* монотипга оид; монотипда терилган; монотип...; **~ набо́р** монотипда терилган текст; монотипда ҳарф териш.

МОНОТО́НН/ЫЙ, -ая, -ое 1 монотон, бир оҳангдаги, бир овозли; **~ый звон колоко́льчика** қўнғироқнинг бир оҳангдаги жаранги; 2 *перен.* ҳамиша бир хил, ўзгармайдиган, зериктирарли; **~ая жизнь** ҳамиша бир хил ҳаёт.

МОНПАНСЬЕ́ *с нескл.* **манпаси, обаки.**

www.ziyouz.com kutubxonasi

МОНТА́Ж *м, р.* **-а́** 1 монтаж; монтаж қилиш, йиғиш; ~ **маши́ны** машинани йиғиш; ~ **электроста́нции** электр станциясини йиғиш (монтаж қилиш); 2 монтаж (турли парчаларни уйғунликда тўплаб бир бутун асар ҳолига келтириш); ~ **фи́льма** фильмни монтаж қилиш; **литерату́рный** ~ адабий монтаж.

МОНТА́ЖНИК *м* монтажчи, йиғувчи; **сле́сарь-**~ монтажчи слесарь.

МОНТА́ЖНИЦА *ж см.* **монта́жник.**

МОНТА́ЖН/ЫЙ, -ая, -ое монтажга, йиғишга оид; монтаж қилиш (йиғиш) билан боғлиқ бўлган, шу мақсад учун белгиланган, монтаж қилувчи, йиғувчи; монтаж...; монтажчи...; ~**ые рабо́ты** монтаж ишлари, ~**ый инструме́нт** монтаж асбоби (асбоблари); ~**ая брига́да** монтажчилар бригадаси.

МОНТЁР *м* 1 *то же, что* **монта́жник;** 2 монтёр, электромонтёр.

МОНТИ́РОВАТЬ *несов.* (*сов.* **смонти́ровать**) *что* монтаж қилмоқ, йиғмоқ; ~ **маши́ну** машинани йиғмоқ; ~ **фильм** фильмни монтаж қилмоқ.

МОНТИРО́ВКА *ж* 1 монтаж қилиш, йиғиш; 2 *тех.* монтировка (автомобиль ғилдирагини йиғишда ишлатиладиган асбоб).

МОНТИРО́ВОЧНЫ/Й, -ая, -ое монтажга, монтировкага оид; монтировка...; монтаж...; ~**е рабо́ты** монтировка (монтаж) ишлари.

МОНТИРОВЩИК *м* монтировкачи, монтажчи, йиғувчи.

МОНУМЕ́НТ *м* монумент; ҳашаматли (маҳобатли) ҳайкал, улуғвор ёдгорлик.

МОНУМЕНТА́ЛЬНОСТЬ *ж* монументаллик, ҳашаматлилик, маҳобатлилик; ~ **сооруже́ния** иншоотнинг маҳобатлилиги.

МОНУМЕНТАЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое; -лен, -льна 1 монументал, ҳашаматли, маҳобатли, улуғвор; ~**ое зда́ние** монументал (маҳобатли) бино; 2 монументал, чуқур асосли, йирик, катта; ~**ый труд** монументал (йирик) асар.

МОПЕ́Д *м* (мотоцикл педа́льный) мопед (педалли мотоцикл).

МОПС *м* мопс (тумшуғи ялпоқ лайча ит).

МОР *м уст.* и *прост.* ўлат, қирғин; ~ **на звере́й** ҳайвонларга келган қирғин

МОРАЛИЗА́ТОРСТВО *с* насиҳатгўйлик, панд-насиҳат (ўгит-насиҳат) қилиш; сдоб-ахлоқ ўргатиш.

МОРАЛИЗИ́РОВАТЬ *несов.* насиҳатгўйлик қилмоқ, панд-насиҳат (ўгит-насиҳат) қилмоқ.

МОРАЛИ́СТ *м* насиҳатгўй; одоб берувчи, одоб-ахлоқ ўргатувчи.

МОРАЛИ́СТКА *ж, р. мн.* **-ток** *см.* **морали́ст.**

МОРА́Л/Ь *ж* 1 одоб, ахлоқ; **челове́к высо́кой** ~**и** жуда одобли (ахлоқли) одам; **коммунисти́ческая** ~**ь** коммунистик ахлоқ; 2 хулоса, маъно, ҳисса; ~**ь ба́сни** қиссадан ҳисса; 3 *разг.* ўгит, насиҳат; панд-насиҳат; ўгит-насиҳат; **чита́ть** ~**ь** панд-насиҳат қилмоқ; насиҳат ўқимоқ.

МОРА́ЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое; -лен, -льна 1 одоб-ахлоққа оид; ахлоқий; ~**ые при́нципы** ахлоқий принциплар; 2 одобли, ахлоқли; одоб-ахлоқ чегарасидаги; хушахлоқ; ~**ый челове́к** хушахлоқ одам; ~**ый посту́пок** одоб-ахлоқ чегарасидаги иш (хатти-ҳаракат); 3 руҳий, маънавий; ~**ая подде́ржка** маънавий ёрдам; ~**ое удовлетворе́ние** руҳан қаноатланиш, руҳий қаноат ҳосил қилиш; **высо́кий** ~**ый дух** юқори маънавий руҳ; ✦ ~**ый изно́с маши́ны** *эк.* машинанинг маънавий эскирганлиги (оёқдан қолганлиги).

МОРАТО́РИЙ *м эк.* мораторий (тўлов муддатини узайтириш).

МО́РГ *м* морг, ўликхона.

МОРГАНАТИ́ЧЕСКИЙ: ~ **брак** тенгсиз никоҳ.

МОРГА́/ТЬ *несов.* (*сов.* **моргну́ть**) 1 кўз қисмоқ, учирмоқ, пирпиратмоқ; ~**ть глаза́ми** кўзларни пир-пир учирмоқ; 2 кўз қисмоқ, кўз қисиб имо-ишора қилмоқ; **он** ~**ет мне, что́бы я замолча́л** у менга кўз қисиб, гапирмасликка ишора қиляпти; 3 милтилламоқ, милтиллаб кўринмоқ, милт-милт қилмоқ; **вдали́** ~**ет огоне́к** узоқда олов (чироқ) милтилларди.

МОРГНУ́ТЬ *сов. однокр. см.* **морга́ть;** ~ **гла́зом** (бир) кўз қисиб қўймоқ; ✦ **гла́зом не** ~ ҳеч тап тортмай (пинакни ҳам бузмай, қўрқмасдан) бирор иш қилмоқ; **не моргну́в гла́зом** тап тортмай, пинакни бузмай, ҳеч қўрқмасдан, писанд қилмай; **не успе́ть (и) гла́зом** ~ кўз очиб-юмишга ҳам улгурмай қолмоқ.

МО́РДА *ж* 1 тумшуқ (ҳайвонларда); 2 *груб. прост.* афт, ангор, башара, турқ; **ну и** ~**!** турқини қаранг-а!; ана башараю, мана башара!

МОРДА́СТ/ЫЙ, -ая, -ое 1 *разг.* тумшуғи катта, тумшуқдор; ~**ая соба́ка** тумшуғи катта ит; 2 *груб. прост.* калласи катта, калладор; юзи кепчикдай; ~**ая ба́ба** юзи кепчикдай хотин.

МОРДА́ШКА *ж, р. мн.* **-шек** *разг.* чиройлигина (дўндиққина) аёл; дўндиқча.

МОРДВА́ *ж собир.* мордвинлар (Мордва АССРнинг асосий аҳолисини ташкил этган халқ, мордвин халқи).

МОРДВИ́Н *м* мордвин; *см.* **мордва́** и **мордви́ны.**

МОРДВИ́НКА *ж, р. мн.* **-нок** мордвинка; *см.* **мордва́** и **мордви́ны.**

МОРДВИ́НЫ *мн.* (*ед.* **мордви́н** *м,* **мордви́нка** *ж*) *то же, что* **мордва́.**

МОРДОБИ́ТИЕ *с прост.* муштлашиш; афт-башарасига (тумшуғига) тушириш, уриш, дўппослаш.

МОРДОБО́Й *м прост. то же, что* **мордоби́тие.**

МОРДОВА́ТЬ, -дую, -ду́ешь *несов.* (*сов.* **замордова́ть**) *кого-что прост.* 1 афт-башарасига (тумшуғига) туширмоқ, урмоқ, дўппосламоқ; 2 *перен.* таъқиб қилмоқ.

МОРДОВЕ́Ц *м, р* **-вца** *то же, что* **мордви́н.**

МОРДО́ВКА *ж, р. мн.* **-вок** *то же, что* **мордви́нка.**

МОРДОВОРО́Т *м груб. прост.* башараси хунук (турқи, сўхти совуқ) одам, бедаво.

МОРДО́ВСКИЙ, -ая, -ое Мордва АССРга, мордвинларга оид; Мордва...; мордва...; мордвин(лар)...; мордвача; ~ **язы́к** мордвин тили.

МОРДО́ВЦЫ *мн.* (*ед.* **мордо́вец** *м,* **мордо́вка** *ж*) *то же, что* **мордва́.**

МО́РДОЧКА *ж, р. мн.* **-чек** 1 *уменьш.-ласк. от* **мо́рда** 1; 2 *разг.* бежирим бола (ёки аёл) юзи.

МО́Р/Е *с, мн.* **-я́** 1 денгиз; **Чёрное** ~**е** Қора денгиз; **откры́тое** ~**е** очиқ денгиз; **вы́йти в** ~**е** денгизга чиқмоқ; **на** ~**е** денгизда; **у** ~**я** денгиз соҳилида, бўйида; **за** ~**ем** денгизнинг нариги томонида, денгиз ортида; 2 *перен.* дарё-дарё, бир дунё, олам-жаҳон, жуда кўп, сон-саноқсиз, беҳисоб; ~**е голо́в** сон-саноқсиз бошлар (одамлар); ~**е кро́ви** дарё-дарё қон; **утону́ть в** ~**е бума́г** бир дунё (ҳамма ёқни тутиб ётган) қоғоз уюмига чўммоқ; 3 *в знач. нареч.* ~**ем** денгиз йўли билан, денгиз орқали; **мы е́хали** ~**ем** биз денгиз йўли билан бордик; ✦ **ка́пля в** ~**е** денгиздан бир томчи (қатра); **(ему́ и)** ~**е по коле́но** дунёни сув босса, унинг тўпиғига чиқмайди, парвойи-фалагига келмайди; **со дна** ~**я доста́ть** денгизнинг (ернинг) тагидан бўлса ҳам топмоқ; **ждать у** ~**я пого́ды** бўлмайдиган нарсага кўз тутмоқ, йўқ нарсани кутиб ўтирмоқ.

МОРЕ́НА *ж геол.* морена (музликлар билан бирга кўчиб келган тоғ жинслари уюми).

МОРЕ́НЫЙ, -ая, -ое тезобланган; тезоблаб ранг киритилган; ~ **дуб** тезобланган дуб.

МОРЕПЛА́ВАНИЕ *с* денгизда кемаларнинг юриши, юритилиши; кема юритиш санъати; **торго́вое** ~ кемаларнинг савдо билан юриши; савдо кемаларининг қатнови; **изуча́ть** ~ кема юритишни ўрганмоқ.

МОРЕПЛАВА́ТЕЛЬ *м* денгиз сайёҳи; денгизда саёҳат қилувчи (қилган) киши.

МОРЕПЛАВА́ТЕЛЬНЫ/Й, -ая, -ое денгизда кема юритишга оид; денгизда кема юритиш...; денгизда юриш (сузиш)...; ~**е инструме́нты** денгизда кема юритиш асбоблари; ~**е ка́чества су́дна** кеманинг денгизда юриш (сузиш) сифатлари.

МОРЕХО́Д *м уст. то же, что* **морепла́ватель.**

МОРЕХО́ДНОСТЬ *ж* денгизда юриш (сузиш) қобилияти; **хоро́шая** ~ **корабля́** кеманинг денгизда яхши юра олиши.

МОРЕХО́ДН/ЫЙ, -ая, ое; -ден, -дна денгизда юришга (сузишга) оид; денгизчилик...; денгизчилар...; ~**ое учи́лище** денгизчилар мактаби.

МОРЕХО́ДСТВО *с уст. то же, что* **морепла́вание.**

www.ziyouz.com kutubxonasi

МОРЖ *м, р.* **-á** 1 *зоол.* морж; 2 морж (қишин-ёзин совуқ сувда — анҳор, бассейн ва ш. к. да чўмиладиган одам); **сéкция ~éй** моржлар секцияси.

МОРЖИХА *ж* 1 урғочи морж; 2 *разг. см.* **морж** 2.

МОРЖОВЫЙ, -ая, -ое моржга оид; морж...; **~ клык** моржнинг қозиқ тиши.

МОРЖОНОК *м, р.* **-нка,** *мн.* **-жáта** морж боласи.

МОРЗЕ: **áзбука Мóрзе** Морзе алфавити; **аппарáт Мóрзе** Морзе аппарати.

МОРЗИСТ *м* морзист (Морзе аппаратида ишловчи телеграфист).

МОРЗЯНК/А *ж разг.* морзянка (Морзе алфавити, аппарати); **стук ~и** морзянкадан эшитилган овоз, морзянканинг чиқ-чиқ овози.

МОРИЛКА *ж, р. мн.* **-лок** 1 *спец.* тезоб; 2 *разг.* ҳашаротларни қирадиган дори.

МОРИСТЫЙ, -ая, -ое *мор.* соҳилдан узоқдаги, денгиз ичкарисидаги.

МОРИ́ТЬ *несов.* 1 (*сов.* **поморúть**) *кого-что* дорилаб ўлдирмоқ, қирмоқ; **~ тарака́нов** тараканларни (сувараклларни) қирмоқ; 2 (*сов.* **поморúть, заморúть** и **уморúть**) *перен. кого-что разг.* қийнамоқ, қийнаб тинкасини (силласини) қуритмоқ, сулайтирмоқ; **~ гóлодом** оч қолдириб силласини қуритмоқ, очидан тиришгирмоқ; 3 (*сов.* **заморúть, уморúть**) *перен. кого-что разг.* чарчатмоқ, ичагини узмоқ; **~ со́ смеху** кулдираверіб ичагини узмоқ; 4 (*сов.* **заморúть**) *что спец.* тезобламоқ; тезоблаб ранг бермоқ; **~ дуб** эманни тезобламоқ; тезоблаб эманга ранг бермоқ; 5 (*сов.* **заморúть**) *прост.* ўлдирмоқ; **~ лук** пиёз ўлдирмоқ; ✦ **сон морúт** *кого* уйқу босяпти.

МОРКОВК/А *ж, р. мн.* **-вок** *разг.* сабзи (бир дона сабзи); ✦ **держать хвост ~ой** *прост.* думини қисиб олмоқ, қўрқмоқ.

МОРКО́ВНИК *м* қирилган сабзидан тайёрланган қовурма овқат.

МОРКО́ВНЫ/Й, -ая, -ое 1 сабзига оид; сабзидан қилинган, олинган,; сабзили; сабзи...; **~е семена́** сабзи уруғи; **~й сок** сабзи суви; 2 сабзи (қизил сабзи) рангидаги, сабзи ранг, зарғалдоқ; **~й цвет** зарғалдоқ тус (ранг).

МОРКО́ВЬ *ж* сабзи; **урожáй ~и** сабзи ҳосили; **рéзать ~ь** сабзи тўғрамоқ.

МОРМЫ́ШК/А *ж, р. мн.* **-шек** мормишка (балиқларни алдаб чақириш учун итбалиқ шаклида қўрғошиндан қуйилган қармоқли тошча); **ловúть ры́бу на ~у** мормишка билан (алдаб) балиқ тутмоқ.

МОРОВ/О́Й: **~óе пове́трие** или **~áя я́зва** *уст.* ўлат, тоун.

МОРО́ЖЕНИЦА *ж* морожний тайёрланадиган идиш.

МОРО́ЖЕНОЕ *с, р.* **-ого** морожний; **сли́вочное ~** қаймоқли морожний.

МОРО́ЖЕНЩИК *м* морожнийчи.

МОРО́ЖЕНЩИЦА *ж* морожнийчи аёл.

МОРО́ЖЕНЫЙ, ая, -ое 1 музлаган, яхлаган; музлатилган, яхлатилган; 2 яхлаган, совуқ урган; **~ карто́фель** совуқ урган картошка.

МОРО́З *м* 1 совуқ, аёз; **кре́пкий ~** қаттиқ совуқ; **трескýчий ~** қаҳратон совуқ; **дéсять грáдусов ~а** ўн даража совуқ; **~ крепчáет** совуқ кучаймоқда; 2 *мн.* **~ы** совуқ кун; совуқ кунлар; **стоя́т ~ы** кун совуқ бўлиб турибди; **удáрили ~ы** бирдан қаттиқ совуқ тушди; совуқ кунлар бошланди; ✦ **~ по ко́же** (или **по спине́**) **подирáет** (или **дерёт, пробегáет** и т. п.) эт жимирлашиб кетди (кетади, кетяпти); сесканиб тушди(м) (совуқдан ёки қўрқувдан).

МОРОЗЕЦ *м, р.* **-зца** *уменьш.-ласк. от* **моро́з** бир оз совуқ, совуққина.

МОРОЗИЛЬНИК *м* музлатувчи қурилма; музхона (мас., холодильникда).

МОРОЗИЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое музлатадиган, музлатувчи; музлатиш...; музхонали; **~ая ка́мера** музлатиш камераси; **~ый тра́улер** музхонали траулер.

МОРОЗИТЬ, -óжу, -óзишь 1 *кого-что* музлатмоқ, яхлатмоқ; **~ ры́бу** балиқни музлатмоқ; **~ тарака́нов** тараканларни музлатиб қирмоқ; 2 *кого разг.* совуққа қотирмоқ, совқотирмоқ, совуқ едирмоқ; 3 *безл.* **совуқ бўлмоқ; на дворе́ моро́зит** ташқари совуқ; ташқарида **совуқ бўлиб** турибди; ташқарида кун совуқ.

МОРОЗИТЬСЯ *несов. разг.* 1 совуқда бўлмоқ, совуқда қолмоқ; совқотмоқ, совуқ емоқ; 2 *страд. от* **моро́зить** 1, 2.

МОРО́ЗНО *безл. в знач. сказ.* совуқ; кун совуқ; **на у́лице ~** ташқари совуқ; ташқарида совуқ бўлиб турибди.

МОРО́ЗН/ЫЙ, -ая, -ое; -зен, -зна 1 совуқ, жуда совуқ; аёзли; **~ая ночь** совуқ (аёзли) тун; 2 совуқдан юзага келган (келадиган); **шу́ба покры́лась ~ой пы́лью** совуқдан пўстин қиров боғлади.

МОРОЗОСТО́ЙКИ/Й, -ая, -ое; -óек, -óйка совуққа чидамли, совуққа бардош берадиган, совуқбардош; **~е расте́ния** совуқбардош ўсимликлар.

МОРОЗОУСТО́ЙЧИВЫ/Й, -ая, -ое *то же, что* **морозостóйкий; ~е культу́ры** совуқбардош экинлар.

МОРО́К/А *ж прост.* бош оғриғи, дардисар, даҳмаза; ишкал нарса, чигал иш; **с э́тим де́лом — одна́ ~а** бу иш — қип-қизил даҳмаза; **зада́ть ~и** дардисар (бош оғриғи) орттирмоқ.

МОРОСИ́/ТЬ, -и́т *несов.* майдалаб (томчилаб, эзиб) ёғмоқ; **с утра́ ~л дождь** эрталабдан бери ёмғир томчиламоқда эди; **на у́лице ~т** кўчада майдалаб ёмғир ёғмоқда.

МОРО́ЧИТЬ *несов.* (*сов.* **заморóчить**) *кого-что разг.* бошни оғритмоқ (қотирмоқ), мияни ачитмоқ, гаранг қилмоқ; лақиллатмоқ, аҳмоқ қилмоқ; **~ люде́й** одамларни гаранг қилмоқ; одамларни лақиллатмоқ; ✦ **~ го́лову** *кому* бошини қотирмоқ, миясини ачитмоқ.

МОРО́ШКА *ж* хушбўй мевали ботқоқ ўсимлиги ва унинг меваси.

МОРС *м* морс (ичимлик тури); **клю́квенный ~** клюква морси.

МОРСК/О́Й, -áя, -óе 1 денгизга оид; денгизга хос бўлган; денгиз...; **~óй во́здух** денгиз ҳавоси; **~óй бéрег** денгиз қирғоғи (соҳили); **~óй песóк** денгиз қуми; 2 денгизда бўлган (бўладиган); денгизда юз берган; денгиз...; **~óй бой** денгиз жанги; **~áя болéзнь** денгиз касали (денгиз тўлқинидан бош айланиши, кўнгил айниши); 3 денгизда бўладиган, денгизда яшайдиган; денгиз...; **~áя рáковина** денгиз чиғаноғи; 4 денгизчилик иши (денгизда сузиш) билан боғланган; денгиз...; **~óй флот** денгиз флоти; **~ая пехóта** денгиз пиёда аскарлари; **~óе страхова́ние** денгиз страхованиеси; ✦ **~óй волк** *см.* **волк; на дне ~óм найти́** *кого-что* денгиз тубидан (ер тагидан бўлса ҳам) топмоқ.

МОРТИ́РА *ж* мортира (қисқа стволли тўп).

МОРТИ́РН/ЫЙ, -ая, -ое мортирага оид; мортиралар билан қуролланган; мортира(лар)...; **~ая батаре́я** мортиралар батареяси.

МОРФЕ́МА *ж лингв.* морфема (сўзнинг маъноли қисми — ўзак, префикс, суффикс).

МО́РФИЙ *м* морфий (кўкнор ширасидан олинадиган наркотик модда); **вспры́снуть ~** морфий(дан) укол қилмоқ.

МОРФИНИ́ЗМ *м* морфинизм, морфий бангилиги.

МОРФИНИ́СТ *м* морфинист, морфийга ўрганган банги.

МОРФИНИ́СТКА *ж, р. мн.* **-ток** морфинист аёл.

МОРФО́ЛОГ *м* морфолог, морфология мутахассиси.

МОРФОЛОГИ́ЧЕСКИЙ, -ая, -ое морфологияга оид; морфологик; морфология...; **~ ана́лиз** морфологик анализ; **~ соста́в сло́ва** сўзнинг морфологик таркиби.

МОРФОЛО́ГИ/Я *ж* 1 морфология (фанларнинг номи таркибида тузилиш, шакл маъноларини билдиради); **~я челове́ка** одам морфологияси; **~я расте́ний** ўсимликлар морфологияси; **~я по́чвы** тупроқ морфологияси; 2 *лингв.* морфология; сарф *(эск.)* (грамматиканинг сўз туркумлари, уларнинг категориялари ва сўз тузилиши ҳақидаги бўлими); **специали́ст по ~и** морфология бўйича мутахассис олим; 3 морфология (сўз туркумлари, уларнинг категориялари ва сўзлар системаси); **описа́ние ~и узбе́кского языка́** ўзбек тили морфологиясининг тавсифи.

МОРЩИ́Н/А *ж* 1 ажин, бурушиқ; **глубо́кая ~** чуқур ажин; **лицо́ в ~ах** ажин босган юз; 2 *перен.* бурушган (ғижимланган) жой; бурушиқ; ғижим; **~ы на ска́терти** дастурхоннинг бурушган (ғижимланган) жойлари; **разгла́дить ~ы** дазмоллаб ғижим(лари)ни ёзмоқ.

МОРЩИ́НИСТ/ЫЙ, -ая, -ое 1 бурушган, ажин босган, бурушиқ; **~ое лицо́** бурушиқ (ажин босган) юз; 2 бурушиқ-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ган, тиришган, тортишган, ғижимланган, мижғалоқ; бурушиқ; ~ая ска́терть бурушган-тиришган дастурхон; ~ые ли́стья бурушиқ барглар.

МОРЩИ́НИТЬ *несов. что разг.* буруштирмоқ, тириштирмоқ; ~ лоб пешанани тириштирмоқ.

МОРЩИ́НИТЬСЯ, -ится *несов. разг. то же, что* **морщи́ться.**

МОРЩИ́НКА *ж, р. мн.* **-нок** *уменьш. от* **морщи́на** салгина ажин; сал-пал бурушган жой.

МОРЩИ́/ТЬ *несов. что* 1 (*сов.* **намо́рщить**) буруштирмоқ, тириштирмоқ; ~ть лоб пешанани тириштирмоқ; 2 (*сов.* **смо́рщить**) буруштирмоқ; ~ть лицо́ от бо́ли оғриқдан юзни буруштирмоқ; 3 *перен.* жимирлатмоқ, мавжлантирмоқ; **ве́тер ~т пруд** шамол ҳовуздаги сувни мавжлантирмоқда; **лу́жи ~ло от дождя́** ёмғирдан кўлобдаги сувнинг бети жимирламоқда.

МОРЩИ́Т/Ь, -и́т *несов. разг.* бужмаймоқ, ғижимланмоқ; бужмайиб (тиришиб, тортишиб) турмоқ, тортишмоқ; **пла́тье ~** кўйлак тортишиб турибди.

МОРЩИТ/ЬСЯ *несов.* 1 бурушмоқ, тиришмоқ; **лоб ~ся** пешана(си) тиришяпти; 2 (юз) буруштирмоқ, тириштирмоқ; бурмоқ; **~ься от бо́ли** оғриқдан юз буруштирмоқ; 3 *перен.* бурушмоқ, тиришмоқ (кийим ҳақида); мавжланмоқ (сув юзи ҳақида).

МОРЩИ́/ТЬСЯ *несов. разг.* бужмаймоқ, бужмайиб (тиришиб, тортишиб) турмоқ, тортишмоқ (кийим ҳақида); **на спине́ ~лась руба́шка** кўйлакнинг орқаси тортишиб турарди.

МОРЯК *м, р.* **-а́** денгизчи (денгиз флотининг хизматчиси; шунингдек, денгизчилик ишида тажрибакор одам); **вое́нный ~** ҳарбий денгизчи; **~ торго́вого фло́та** савдо флотининг денгизчиси; **рыбаки́ — уме́лые ~и́** балиқчилар моҳир денгизчилардир.

МОРЯЦК/ИЙ, -ая, -ое *разг.* денгизчиларга оид; денгизчи(лар)...; **он из ~ого ро́да** денгизчилар авлодидан.

МОРЯ́ЧКА *ж, р. мн.* **-чек** 1 денгизчи аёл; 2 *разг.* денгизчи хотин.

МОРЯ́ЧОК *м, р.* **-чка́** *уменьш.-ласк. от* **моря́к.**

МОСКАТЕ́ЛЬ *ж собир.* бўёқчилик моллари (бўёқ, елим, мой ва ш. к.).

МОСКАТЕ́ЛЬНЫ/Й, -ая, -ое бўёқчилик молларига оид; бўёқчилик моллари...; **~й магази́н** бўёқчилик моллари магазини; **~е това́ры** бўёқчилик моллари.

МОСКВИ́Ч *м, р.* **-а́** 1 москвалик, москвич; 2 *разг.* москвич (автомобиль маркаси).

МОСКИ́Т *м* москит, майда чивин, искабтопар.

МОСКИ́ТН/ЫЙ, -ая, -ое москитга (майда чивинга, искабтопарга) оид; москит...; майда чивин...; искабтопар...; **~ый уку́с** искабтопарнинг чақиши; **иск**абтопар чаққан жой; **~ая се́тка** москитга қарши бет-қўлга тутиладиган тўр; ✦ **~ая лихора́дка** москит безгаги; **~ый флот** *мор.* жажжи флот (жажжи кемалардан ташкил топган ҳарбий флот).

МОСЛАК *м, р.* **-а́** *прост. то же, что* **моса́л.**

МОСО́Л *м, р.* **-сла́** *прост.* катта суяк, сон суяги.

МОСТ *м, р.* **мо́ста** и **-а́**, *предл.* **о мо́сте, на мосту́**, *мн.* **-ы́** 1 кўприк; пул *(эск.)*; **деревя́нный ~** тахта кўприк; тахтапул; **железнодоро́жный ~** темир йўл кўприги; **подвесно́й ~** осма кўприк; **разводно́й ~** икки тавақали (икки томонга кўтариб қўйиладиган) кўприк; **разводи́ть ~ы́** кўприкларни кўтариб қўймоқ; 2 *перен.* кўприк, боғланиш (боғловчи нарса, восита); **переброси́ть ~ между** *кем-л.* икки томонни боғламоқ, икки томон ўртасидаги алоқа учун йўл очмоқ; 3 *спорт.* кўприк (курашда); 4 *тех.* кўприк (автомобиль шассисининг ўқлар ўрнатилган қисми); **пере́дний ~** олдинги кўприк; **за́дний ~** кетинги кўприк; 5 кўприк (сунъий милк).

МОСТИК *м* 1 *уменьш. от* **мост** 1; 2 *спорт.* кўприкча; кўприк (гимнастикада); **сде́лать ~** кўприк бўлмоқ, кўприк бўлиб турмоқ; 3 *спец.* кўприкча, супача (кема, кран ва ш. к. да: кузатиш, бошқариш ўрни); **капита́нский ~** капитан кўприкчаси (кемада); **~ на блю́минге** блюминг кўприкчаси.

МОСТИ́ТЬ, мощу́, мости́шь *несов. что* 1 (*сов.* **вы́мостить, замости́ть**) тош ётқизмоқ, тош термоқ; **~ у́лицу булы́жником** кўчага тош термоқ; 2 (*сов.* **намости́ть**) тахта (ёғоч) билан тўшамоқ, тахта (ёғоч) қоқмоқ; **~ пол** пол қилмоқ, пол қоқмоқ.

МОСТКИ́ *мн.* ёлғизоёқ тахта кўприк, яккачўп; **~ че́рез боло́то** ботқоқлик устидаги тахта кўприк; ботқоқлик кўприги; 2 супача, сўри (сув бўйида кир ювиш ва ҳ. к. мақсадлар учун қурилган тахта супача).

МОСТОВА́Я *ж, р.* **-о́й** тўшама йўл (тош ёки бошқа нарса ётқизилган йўл); **булы́жная ~** тош йўл, кўча; **аспа́льтовая ~** асфальт йўл.

МОСТОВИ́К *м, р.* **-а́** кўприксоз, кўприк қурувчи (ишчи, мутахассис).

МОСТОВ/ОЙ, -а́я, -о́е кўприкка оид; кўприк...; **~ы́е опо́ры** кўприк таянчиқлари (оёқлари); ✦ **~о́й кран** кўприк шаклидаги (кўприксимон) кран.

МОСТО́К *м, р.* **-тка́** кичкина кўприк, кўприкча.

МОСТООТРЯД *м* кўприксозлар (кўприк қурувчилар) отряди.

МОСТОПОЕЗД *м* кўприксозлар (кўприк қурувчилар) поезди.

МОСТОСТРОЕ́НИЕ *с* кўприксозлик, кўприк қуриш.

МОСЬЁ и **МСЬЁ** *с* мосье (Францияда эркакларга мурожаат формаси).

МО́СЬКА *ж, р. мн.* **-сек** *разг. то же, что* **мопс.**

МОТ *м* пулни совурувчи; пулни айш-ишратга, бўлар-бўлмасга сарф қилувчи, пулхўр.

МОТА́ЛКА *ж, р. мн.* **-лок** ип ўрайдиган (ёки калавалайдиган) чарх.

МОТА́ЛЬНЫЙ, -ая, -ое ип ўрайдиган, калавалайдиган; ўраш...; калавалаш...; **~ механи́зм** ип ўрайдиган (калавалайдиган) механизм; **~ цех** калавалаш цехи.

МОТА́НИЕ I *с по гл.* **мота́ть** I, 1 и **мота́ться** I, 1, 2; **~ пря́жи** ип ўраш; ип калавалаш.

МОТА́НИЕ II *с по гл.* **мота́ть** II *разг.* пулни совуриш; пулни айш-ишратга, бўлар-бўлмасга сарфлаш, пулхўрлик; **~ де́нег** пулни совуриш.

МОТА́/ТЬ I *несов.* 1 (*сов.* **намота́ть**) *что* ўрамоқ, калаваламоқ; **~ть пря́жу** ип ўрамоқ (калаваламоқ); 2 (*сов.* **мотну́ть**) *чем разг.* ирғатмоқ, чайқамоқ, чайқатмоқ, қимирлатмоқ; ликиллатмоқ; **~ть голово́й** бош чайқамоқ; **~ть хвосто́м** думини ликиллатмоқ; 3 (*сов.* **мотну́ть**) *кого-что* силкитмоқ, титратмоқ, чайқатмоқ; **вагон си́льно ~ло** *безл.* вагон қаттиқ силкинар эди; 4 *кого разг.* жонини (сиқиб сувини) олмоқ, силласини қуритмоқ; қийнамоқ; **его́ ~ла маля́рия** уни безгак қийнар эди; 5 (*сов.* **умота́ть**) *прост.* жўнаб қолмоқ, жуфтакни ростламоқ, туёғини шиқиллатмоқ; **эй, ~й отсю́да!** ҳой, жўнаб қол бу ердан!; ✦ **~ть (себе́) на ус** дилга жо қилиб (қулоққа қуйиб) олмоқ, билиб қўймоқ.

МОТА́ТЬ II *несов.* (*сов.* **промота́ть**) *что* и *без доп.* совурмоқ, бўлар-бўлмасга, айш-ишратга сарфламоқ, сарфлаб йўқ қилмоқ; **~ де́ньги** пулни совурмоқ.

МОТА́/ТЬСЯ I *несов.* 1 (*сов.* **мотну́ться**) *разг.* силкинмоқ, тебранмоқ, чайқалмоқ, у ёқдан бу ёққа бориб келмоқ; **верёвка ~ется на ветру́** арқон шамолда силкинмоқда; 2 *прост.* югуриб-елмоқ, овора (сарсон-саргардон) бўлиб юрмоқ, уринмоқ, кезмоқ; **он це́лый день ~лся по го́роду** у бутун кун шаҳар кезди; 3 *прост.* лақиллаб юрмоқ; дайдимоқ, тентирамоқ; 4 *страд. от* **мота́ть** I, 1.

МОТА́ТЬСЯ II, **-а́ется** *несов. страд. от* **мота́ть** II.

МОТЕ́ЛЬ *м* мотель (меҳмонхона тури).

МОТИ́В I *м* 1 сабаб, боис; важ; **ва́жный ~** муҳим сабаб; **по ли́чным ~ам** шахсий сабабларга кўра; 2 далил; баҳона; **привести́ ~ы в по́льзу** *чего-л.* исботлаш (қувватлаш) учун далиллар келтирмоқ.

МОТИ́В II *м* 1 мотив, тема, мавзу; **основно́й ~ по́вести** повестнинг асосий мавзуи; **вы́шивка по наро́дным ~ам** халқ мавзулари асосида тикилган нақш, кашта; 2 мотив, оҳанг, куй; **весёлый ~** шўх (қувноқ) куй; **напева́ть ~ изве́стной пе́сни** маълум-машҳур қўшиқни хиргойи қилмоқ.

МОТИВИ́РОВАТЬ *сов.* и *несов. что* асосламоқ, далил келтирмоқ; сабаб кўрсатмоқ; **~ своё предложе́ние** ўз таклифини асосламоқ, далиллар келтириб қувватламоқ.

МОТИВИРО́ВКА *ж, р мн.* **-вок** 1 *по гл.* **мотиви́ровать;** 2 асослар, далиллар; важ-сабаблар; **убеди́тельная ~** ишончли далиллар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

МОТИВИРОВОЧН/ЫЙ, -ая, -ое асословчи; **~ая часть резолю́ции** резолюциянинг асословчи қисми.

МО́ТКА *ж спец. по гл.* **мота́ть** I, 1; **~ ни́ток** ип ўраш (калавалаш).

МОТНУ́/ТЬ *сов. однокр. см.* **мота́ть** 2, 3; **в отве́т он то́лько ~л голово́й** жавоб тариқасида у бош иргатиб қўйди.

МОТНУ́ТЬСЯ *сов. однокр. см.* **мота́ться** I, 1.

МОТНЯ́ I *ж* тўр халтаси (тўрнинг балиқ тутадиган қисми); 2 ог (иштон, шим оғи).

МОТНЯ́ II *ж прост.* югуриб-елиш, овора бўлиш, уриниш, оворагарчилик.

МОТОВЕЛОСПО́РТ *м* мотовелоспорт (мотоцикл ва велосипед спорти).

МОТОБО́Л *м* мотобол (мотоцикларда ўйналадиган тўп ўйини).

МОТОВИ́ЛО *с спец.* 1 калавалайдиган чарх, калавачўп; ип (сим ва ҳ. к.) ўрайдиган машина, қурилма; 2 *с.-х.* паррак (ўриш машиналарида).

МОТО́ВКА *ж, р. мн.* **-вок** *см.* **мот.**

МОТОВО́З *м* мотовоз (двигатель ўрнатилган кичкина локомотив).

МОТОВСКО́Й, -а́я, -о́е *разг.* пулхўр (пулни пўчоққа қўрмайдиган) одамларга хос: **вести́ ~ о́браз жи́зни** пулни пўчоққа қўрмай сарфлаб яшаш, пулни айш-ишратга совуриш.

МОТОВСТВО́ *м* пулни совуриш, пулни айш-ишратга бўлар-бўлмасга сарфлаш, пулхўрлик.

МОТОДИВИЗИЯ *ж* мотодивизия, моторлаштирилган дивизия.

МОТОДРЕЗИ́НА *ж* мотодрезина, моторли дрезина.

МОТОДРО́М *м* мотодром (мотоцикллар пойгаси ва синови ўтказиладиган жой).

МОТО́К *м, р.* **-тка́** калава, коптоқ: **~ ни́ток** бир калава (ёки бир коптоқ) ип.

МОТОКОЛО́ННА *ж* мотоколонна, автомобиллар ва мотоцикллар колоннаси.

МОТОКРО́СС *м* мотокросс (мотоциклларнинг нотекис йўлдаги пойгаси).

МОТОЛО́ДКА *ж, р. мн.* **-док** мотолодка, моторли қайиқ.

МОТОЛЮБИ́ТЕЛЬ *м* мотоцикл ишқибози.

МОТОМЕХАНИЗИ́РОВАННЫЙ, -ая, -ое моторлаштирилган ва механизациялаштирилган (қўшин ҳақида).

МОТОПЕ́Д *м то же, что* **мопе́д.**

МОТОПЕХО́ТА *ж* мотопехота, моторлаштирилган пиёда аскар.

МОТОПЕХОТИ́НЕЦ *м, р.* **-нца** мотопехота аскари.

МОТОПЕХО́ТНЫЙ, -ая, -ое мотопехотага оид; мотопехота...; **~ полк** мотопехота полки.

МОТОПО́ЛК *м* мотополк, моторлаштирилган полк.

МОТОПРОБЕ́Г *м* мотоцикллар пойгаси.

МОТО́Р *м* мотор, двигатель; **~ самолёта** самолёт мотори.

МОТОРИЗА́ЦИЯ *ж* моторизация, моторлаштириш.

МОТОРИЗО́ВАННЫ/Й, -ая, -ое 1 *прич. от* **моторизова́ть**; 2 *в знач. прил.* моторлашган, моторлаштирилган; **~е ча́сти** моторлашган (моторлаштирилган) қисмлар.

МОТОРИЗОВА́ТЬ, -зу́ю, -зу́ешь *сов.* и *несов. что* 1 моторлаштирмоқ, моторлар билан таъминламоқ; 2 *воен.* моторлаштирмоқ, моторли транспорт билан таъминламоқ: **~ а́рмию** армияни моторлаштирмоқ.

МОТОРИ́СТ *м* моторист, моторчи (моторларга қаровчи-ишчи, мутахассис).

МОТОРИ́СТКА *ж, р. мн.* **-ток** моторист аёл.

МОТО́РКА *ж, р. мн.* **-рок** *разг. то же, что* **мотоло́дка.**

МОТО́РН/ЫЙ I, -ая, -ое *психол. физиол.* ҳаракатлантирувчи, ҳаракатга солувчи (келтирувчи); **~ые не́рвные це́нтры** ҳаракатга солувчи (келтирувчи) нерв марказлари; **✦ ~ая па́мять** механик хотира.

МОТО́РН/ЫЙ II, -ая, -ое 1 моторга оид; мотор...; **~ый цех** мотор цехи (мотор ишлаб чиқарувчи цех); 2 мотор ўрнатилган, моторли; **~ая ло́дка** моторли қайиқ.

МОТОРО́ЛЛЕР *м* мотороллер (мотоцикл тури).

МОТОРОСТРОЕ́НИ/Е *с* моторсозлик, мотор(лар) ишлаб чиқариш; **заво́д авиацио́нного ~я** авиация моторлари заводи; авиацион моторсозлик заводи.

МОТОРОСТРОИТЕ́ЛЬНЫЙ, -ая, -ое моторсозликка, мотор ишлаб чиқаришга оид; мотор ишлаб чиқарадиган; моторсозлик...; **~ заво́д** моторсозлик заводи.

МОТОЦИ́КЛ *м* мотоцикл; **~ с коля́ской** кажавали мотоцикл.

МОТОЦИКЛЕ́Т *м уст. то же, что* **мотоци́кл.**

МОТОЦИКЛЕ́ТН/ЫЙ, -ая, -ое мотоциклга, мотоциклетга оид; мотоцикл...; **~ая коля́ска** мотоцикл кажаваси.

МОТОЦИКЛИ́СТ *м* мотоциклчи, мотоцикл ҳайдовчи.

МОТОЦИКЛИ́СТКА *м, р. мн.* **-ток** *см.* **мотоцикли́ст.**

МОТЫГА *ж* дастаки сўқа; мотига (кетмонсимон асбоб).

МОТЫ́ЖИТЬ *несов. что* 1 (мотига билан) чопмоқ, юмшатмоқ; **~ зе́млю** ерни (мотига билан) чопмоқ; 2 чопиқ қилмоқ; **~ свёклу** лавлагини чопиқ қилмоқ.

МОТЫ́ЖН/ЫЙ, -ая, -ое мотигага оид; мотига...; **~ое земледе́лие** мотига билан ер ишлаш (деҳқончилик қилиш); мотига билан ишлашга асосланган деҳқончилик.

МОТЫЛЁК *м, р.* **-лька́** капалак, парвона; **порха́ть, как ~** парвона бўлмоқ.

МОТЫЛ/Ь *м, р.* **-ля́** чивин (пашша) ғумбаги; **лови́ть ры́бу на ~я́** қармоққа ғумбак илиб балиқ тутмоқ.

МОТЫЛЬКО́ВЫ/Й, -ая, -ое 1 капалакка, парвонага оид; капалак...; парвона...; 2 *в знач. сущ. мн.* **~е** *бот.* капалакгуллилар.

МОХ *м, р.* **мха** и **мо́ха, *мн.* мхи** мох, йўсин: **зарасти́ мхом** мох босмоқ; мох билан қопланмоқ; **ка́мень, обро́сший мо́хом (мхом)** мох босган тош; **✦ мо́хом обрасти́** (или **зарасти́, покры́ться** и т. п.) пўпанак босмоқ; ёввойилашмоқ.

МОХНА́Т/ЫЙ, -ая, -ое 1 пахмоқ, бароқ: юнги ўсиқ; сержун; сертук; тукли; **~ый кот** бароқ мушук; **~ый зверь** юнги ўсиқ ҳайвон; **~ый шмель** тукли ари; 2 пахмоқ, тукли, сертук (мата, гилам ҳақида); **~ое полоте́нце** пахмоқ сочиқ.

МОХЕ́Р *м* ангорий эчки юнги; **ко́фта из ~а** ангорий эчки юнгидан тўқилган кофта, ангорий кофта.

МОХЕ́РОВЫЙ, -ая, -ое ангорий эчки юнгидан қилинган, тўқилган; ангорий; **~ шарф** ангорий шарф.

МОХНОНО́Г/ИЙ, -ая, -ое пайпоқдор, пахмоқоёқ; **~ая пти́ца** пайпоқдор қуш.

МОХОВИ́К *м, р.* **-а́** моховик (қўзиқорин тури).

МОХОВО́/Й, -а́я, -о́е мохга, йўсинга оид; мох (йўсин) босган; мох...; йўсин...; **~е боло́то** йўсин босган ботқоқ.

МОЦИО́Н *м* бир айланиб (янги ҳаво олиб) келиш, ёнатрофда кезиш; сайр; **ежедне́вный ~** кундалик сайр, ҳар куни бир айланиб (янги ҳаво олиб) келиш; **✦ для ~а** янги ҳаво олиш учун.

МОЧА́ *ж* сийдик, пешоб

МОЧА́ЛИСТ/Ый, -ая, -ое тола́ли, тола-тола: **~е во́лосы** тола-тола (толим-толим) соч.

МОЧА́ЛК/А *ж* мочалка; **тере́ться ~ой** мочалка билан баданни ишқаламоқ (ювинганда).

МОЧА́ЛО *с* титилган (тола-тола) пўстлоқ, чипта.

МОЧА́ЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое титилган пўстлоқдан (чиптадан) эшилган, тўқилган; чипта...; **~ая верёвка** чипта арқон; **~ые воло́кна** пўстлоқ толалар, чипталар; **~ые во́лосы** тола-тола (толим-толим) сочлар.

МОЧЕВИ́НА *ж* мочевина, карбамид (сийдик таркибида бўладиган кристалл модда).

МОЧЕВ/О́Й, -а́я, -о́е сийдикка (пешобга) оид; сийдик...; пешоб...; **~о́й кана́л** сийдик канали (йўли); **~о́й пузы́рь** қовуқ; **~а́я кислота́** сийдик кислотаси.

МОЧЕВЫДЕЛЕ́НИЕ *с* сийиш, бовул қилиш.

МОЧЕГО́ННЫ/Й, -ая, -ое сийдирадиган, сийдик (пешоб) ҳайдайдиган; **~е сре́дства** сийдикни (пешобни) ҳайдайдиган воситалар, дори-дармонлар.

МОЧЕИСПУСКА́НИЕ *с то же, что* **мочевыделе́ние.**

МОЧЕИСПУСКА́ТЕЛЬНЫЙ, -ая, -ое сийдик чиқарадиган (чиқадиган); сийдик...; пешоб...; **~ кана́л** сийдик канали (йўли).

МОЧЕ́НИЕ *с по гл.* **мочи́ть** 2; **~ семя́н** уруғларни (уруғликни) ивитиш.

www.ziyouz.com kutubxonasi

МОЧЁНЫЙ, -ая, -ое ивитилган, бўктирилган; намланган, ҳўлланган; ивитма; **~е я́блоки** ивитилган олма.

МОЧЕОТДЕЛЕ́НИЕ *с* сийдикни ажратиш; сийдикнинг ажралиши (ажралиб чиқиши).

МОЧЕПОЛО́В/ОЙ, -а́я, -о́е таносил аъзоларига оид; таносил аъзолари...; таносил...; **~ы́е о́рганы** таносил аъзолари; **~ы́е боле́зни** таносил касалликлари.

МОЧИ́ТЬ, мочу́, мо́чишь *несов. (сов.* **замочи́ть** и **намочи́ть**) 1 *кого-что* ҳўлламоқ, намламоқ; **~ во́лосы** сочни ҳўлламоқ; **~ ру́ки** қўлларни ҳўлламоқ; қўлга сув қуймоқ; 2 *что* ивитмоқ, бўктирмоқ, намламоқ; **~ бельё** кир ивитмоқ; **~ семена́ хло́пка** чигитни ивитмоқ; чигитни намламоқ; **~ я́блоки** олма ивитмоқ.

МОЧИ́ТЬСЯ, мочу́сь, мо́чишься *несов.* 1 сиймоқ, ёзилмоқ, бўшанмоқ, бовул қилмоқ; 2 *страд. от* **мочи́ть.**

МО́ЧКА I *ж, р. мн.* **-чек** *анат.* солинчак (қулоқда).

МОЧКА II *ж по гл.* **мочи́ть** 2; **~ семя́н** уруғларни (уруғликни) ивитиш; **~ я́блок** олма ивитиш.

МОЧЬ I, могу́, мо́жешь, мо́гут; мог, -ла́ *несов.* 1 *(сов.* **смочь**) *с неопр.* қила (бажара, амалга оширa) олмоқ, уддаламоқ, уддасидан чиқмоқ, эпламоқ; **не могу́ поня́ть** тушуна олмайман; тушуна олмаяпман; ақлим етмаяпти; 2 имкон (имконият) борлигини билдиради; **ве́чером мы мо́жем пойти́ в теа́тр** кечқурун театрга боришимиз мумкин (борсак бўлади); **✦ мо́жет быть и быть мо́жет** *в знач. вводн. сл.* эҳтимол, балки; шояд; **не могу́ знать** билмадим, билолмадим, билмайман, хабарим йўқ; **не мо́жет быть!** бундай бўлиши мумкин эмас!; йўғе!; қўйсангизчи!; наҳотки!

МОЧЬ II *ж разг.* куч, қувват, мажол, мадор, дармон, силла; **бежа́ть что есть ~и** бор кучи билан чопмоқ; **крича́ть изо все́й ~и** бор овози билан бақирмоқ; **~и нет** куч (мажол, мадор) йўқ; мажол қолмади (қуриди); **~и нет, как жа́рко** шундай иссиқки, мажол қолмади.

МОШЕ́ННИК *м* муттаҳам, қаллоб, фирибгар; алдамчи; товламачи.

МОШЕ́ННИЦА *ж см.* **моше́нник.**

МОШЕ́ННИЧАТЬ *несов.* муттаҳамлик (қаллоблик, фирибгарлик) қилмоқ; фириб бермоқ; алдамоқ; товламоқ.

МОШЕ́ННИЧЕСКИЙ, -ая, -ое муттаҳамликдан (қаллобликдан, фирибгарликдан) иборат бўлган, муттаҳамлик билан қилинган, муттаҳамларча; қалб; **~й посту́пок** қалб иш; **~е маха́нации** муттаҳамларча; (муттаҳамона) найранглар.

МОШЕ́ННИЧЕСТВО *с* муттаҳамлик, қаллоблик, фирибгарлик; алдамчилик; товламачилик; қалб иш, хатти-ҳаракат.

МО́ШКА *ж, р. мн.* **-шек** майда чивин; майда пашша.

МОШКА́РА *ж собир.* майда чивинлар; майда пашшалар; **боло́тная ~** ботқоқлик чивинлари.

МОШНА́ *ж, р. мн.* **мошо́н** 1 *уст.* чўнтак, кисса, ҳамён; 2 *перен. разг.* ҳамён, пул, бойлик; **✦ туга́я** (или **то́лстая, больша́я**) **~а́** лиқ тўла ҳамён; ҳамён тўла пул; **набить ~у́** ҳамённи тўлдирмоқ; пул, бойлик орттирмоқ; **тряхну́ть ~о́й** ҳамённи қоқмоқ, ҳамёндаги ҳамма пулни чиқармоқ.

МОШО́НКА *ж, р. мн.* **-нок** *анат.* мояк халтаси.

МОШОНО́ЧН/ЫЙ, -ая, -ое мояк халтасига оид; мояк халтасида бўладиган; **~ая гры́жа** дабба, чурра.

МОЩЕ́НИЕ *с по гл.* **мости́ть; ~ у́лицы** кўчага тош ётқизиш.

МОЩЁН/ЫЙ, -ая, -ое тўшалган, тош (ёки бошқа нарса) ётқизилган; **~ая у́лица** тош йўл.

МО́ЩИ *мн., р.* **-е́й** қоқ мурда, чиримай сақланган мурда (черков уни муқаддас санайди); **✦ живы́е** (или **ходя́чие**) **~** қоқ суяк одам, тирик мурда.

МО́ЩНОСТ/Ь *ж* 1 куч, қувват, қудрат; баландлик, қаттиқлик; зўрлик; **~ь го́лоса** товушнинг баландлиги (кучи); 2 *физ. тех.* қувват; **~ь то́ка** ток қуввати; **дви́гатель ~ью в 100 лошади́ных сил** қуввати 100 от кучига тенг бўлган двигатель; 3 *перен.* қувват (ишлаб чиқариш объектлари); **ввести́ в строй но́вые энергети́ческие ~и** янги энергетик қувватларни ишга туширмоқ; 4 *геол.* қалинлик; **~ь пла́ста** қатламнинг қалинлиги.

МО́ЩНЫЙ, -ая, -ое; -щен, -шна́, -щно 1 кучли, қувватли, қудратли; бақувват; баланд, қаттиқ; **мо́щное госуда́рство** қудратли давлат; **~ организ́м** бақувват организм; **~ уда́р** қаттиқ зарба; 2 буюк, улкан, азим, катта, зўр; кучли, шиддатли; **~ подъём се́льского хозя́йства** қишлоқ хўжалигининг зўр юксалиши; **~ пото́к ла́вы** кучли (шиддатли) лава оқими; **~ дуб** азим дуб; 3 *физ. тех.* қувватли, катта қувватга эга бўлган; **~ дви́гатель** қувватли двигатель; 4 *геол.* қалин; **~ пласт у́гля** қалин кўмир қатлами.

МОЩЬ *ж высок.* куч, қувват, қудрат; **крепи́ть ~ Вооружённых Сил Сове́тской страны** Совет мамлакати Қуролли Кучларининг қудратини оширмоқ; **огнева́я ~ у́т** очиш (ўққа тутиш, ўқ ёғдириш) қуввати.

МОЮЩИ/Й, -ая, -ее 1 *прич. от* **мыть**; 2 *в знач. прил.* ювадиган; ювиш...; **~е сре́дства** ювиш воситалари (порошок ва ш. к.).

МРАЗЬ *ж прост.* ярамас одам; мараз, разил, палид.

МРАК *м* 1 тим қоронғилик, зимистон, зим-зиё; **во ~е но́чи** тун қоронғилигида; қоронғи тунда; 2 *перен.* юракка қил сиғмайдиган ҳолат, дард-дунёси қоронғилик, ғашлик, ичи ёришмаслик; **у него́ ~ на душе́** чироқ ёқсанг ҳам, унинг ичи ёришмайди; унинг юраги ғаш; **✦ покры́то ~ом неизве́стности** мутлақо қоронғи, номаълум; ҳеч ким билмай; **~ невéжества** *высок.* ғирт нодонлик; ўтакетган жаҳолат.

МРАКОБЕ́С *м* жаҳолатпараст, нодон; маърифат душмани.

МРАКОБЕ́СИЕ *с* жаҳолатпарастлик, нодонлик; маърифатга душманлик.

МРА́МОР *м* мармар, мармартош.

МРАМОРИ́РОВАТЬ *сов.* и *несов. что* мармарламоқ, мармар тусини бермоқ мармарга ўхшатиб ишламоқ, бўямоқ; **~ колóнны** колонналарни мармарламоқ, колонналарга мармар тусини бермоқ

МРАМО́РН/ЫЙ, -ая, -ое 1 мармарга оид; мармардан қилинган; мармар...; **~ая ста́туя** мармар статуя; 2 мармарга ўхшатиб ишланган; мармарсимон; **~ый узо́р** мармарсимон гул; 3 *перен.* оппоқ, нуқрадек оппоқ; **~ые пле́чи** оппоқ елкалар.

МРАМО́РЩИК *м* мармартарош, мармар тарашловчи (ёки қопловчи) уста.

МРАЧНЕ́/ТЬ *несов. (сов.* **помрачне́ть**) 1 қоронғилашмоқ, қоронғи босмоқ; **ве́чер ~л** кечкириб қоронғи босмоқда (тушмоқда) эди; 2 *перен.* ғамгин (хафа, маъюс) кўринмаъюсланди; чеҳраси бузилди.

МРАЧН/ЫЙ, -ая, -ое; -чен, -чна́, -чно 1 қоронғилик (зулмат) босган, зулматдаги; зим-зиё, зимистон; **~ая ночь** зим-зиё (зимистон) тун; 2 *перен.* қайғули, ғамгин, маъюс, хафа, нохуш; **~ые времена́** қайғули кунлар; оғир замонлар; **~ый вид** ғамгин кўриниш; **~ые предчу́вствия** нохуш сезги.

МСТИ́ТЕЛ/Ь *м* ўч (қасос, интиқом) олувчи, қасоскор, қасосчи; **наро́дные ~и** халқ қасоскорлари.

МСТИ́ТЕЛЬНИЦА *ж см.* **мсти́тель.**

МСТИ́ТЕЛЬНОСТЬ *ж* ўч (қасос, интиқом) олиш; кек сақлаш.

МСТИ́ТЕЛЬНЫЙ, -ая, -ое кек сақловчи, қасос олмай қўймайдиган, кекни унутмайдиган; **~ челове́к** кек сақловчи (қасос олмай қўймайдиган) одам.

МСТИТЬ, мщу, мстишь *несов. (сов.* **отомсти́ть**) *кому* ўч олмоқ, кек (қасос, интиқом) олмоқ; **~ врагу́** душмандан ўч (қасос, интиқом) олмоқ; **~ за оскорбле́ние** ҳақорат қилгани учун ўч олмоқ; ўч олиб аламдан чиқмоқ.

МУА́Р *м* муар, муҳайяр (товланадиган қалин шойи); **пла́тье из ~а** муар (муҳайяр) кўйлак.

МУАРО́В/ЫЙ, -ая, -ое 1 муардан (муҳайярдан) қилинган; муар...; муҳайяр...; **~ая ле́нта** муар (муҳайяр) лента; 2 муарга (муҳайярга) ўхшаш, товланадиган; **~ая бума́га** товланадиган қоғоз.

МУДРЕНО́ *безл. в знач. сказ.* қийин, мушкул, осон эмас, амримаҳол, маҳол; **На э́ти де́ньги ~ жить поря́дочно** (Чехов) Бу пул билан яхши яшаш маҳол (амри маҳол); **✦ ~ли** қийин эмас, оппа-осон; **~ли простуди́ться в тако́й хо́лод** шу совуқда шамоллаб қолиш қийин эмас (ҳеч ган эмас); бундай совуқда шамоллаб қолиш оппа-осон; **не ~, что...** ажабланарли жойи йўқ, ажаб эмас; **не ~, что он об э́том не зна́ет** у бундан бехабар бўлса (буни билмаса) ажаб эмас.

www.ziyouz.com kutubxonasi

МУДРЕНО *нареч.* қизиқ (ғалати, одам тушунмайдиган) қилиб, ажиб бир тарзда; душвор; **здесь что́-то ~ напи́сано** бу ер (бу нарса) жуда душвор ёзилган.

МУДРЁН/ЫЙ, -ая, -ое *разг.* 1 қизиқ, ғалати, ажиб; одам тушунмайдиган; **~ый стари́к** ғалати чол; 2 қийин, мушкул, мураккаб, душвор; **~ая зада́ча** қийин (мураккаб) масала; ✦ **у́тро ве́чера мудрене́е** *посл.* кечаси ётиб ўйла, эрталаб туриб сўйла; кечқурун қўятуриб, эрталаб ўйлашсак дурустроқ ақл топилиб қолар.

МУДРЕЦ *м, р.* **-а́** доно (оқил) одам; донишманд.

МУДРИ́ТЬ *несов.* (*сов.* **намудри́ть, смудри́ть**) билимдонлик (билармонлик) қилмоқ; **не ~е, а поступа́йте, как поло́жено** билимдонлик қилманг, қандай бўлса шундай қилинг.

МУ́ДРО *нареч.* оқилона, донолик билан, доноларча, ақлли; **поступи́ть ~** оқилона иш тутмоқ, ақлли иш қилмоқ.

МУ́ДРОСТЬ *ж* 1 донишмандлик, донолик, оқиллик; **~ ста́рца** чолнинг донишмандлиги; 2 оқилоналик; ақллилик; **~ реше́ния** қарорнинг оқилоналиги; 3 *разг.* қийинлик, мураккаблик; душворлик; **э́то я сде́лаю, невелика́ ~** буни мен қила оламан, ҳеч қийинлиги йўқ; 4 ақл, заковат, ҳикмат, донишмандлик; **наро́дная ~** халқ заковати (донишмандлиги); ✦ **зуб му́дрости** ақл тиши.

МУ́ДРСТВ/ОВАТЬ *несов.* билимдонлик қилмоқ, билармонлик қилмоқ; ✦ **не ~уя лука́во** билармонлик қилиб ўтирмасдан; оддийгина, осонгина.

МУ́ДР/ЫЙ, -ая, -ое 1 донишманд, доно, оқил; **~ый ста́рец** донишманд чол; **~ый полково́дец** доно лашкарбоши; 2 оқилона, доно, ақлли; **~ая национа́льная поли́тика на́шей па́ртии** партиямизнинг доно миллий сиёсати.

МУЖ *м* 1 *мн.* **мужья́**, *р.* **-же́й**, *дат.* **-жья́м** эр, қаллиқ; **её ~** унинг эри; 2 *мн.* **мужи́**, *р.* **-же́й**, *дат.* **-жа́м** *уст.* и *высок.* эр киши; арбоб; **~и́ нау́ки** фан арбоблари; **государ́ственный ~** давлат арбоби.

МУЖА́ТЬ *несов.* 1 *уст.* вояга, балоғатга етмоқ; 2 *перен. высок.* ўсмоқ, улғаймоқ, етилмоқ, кучга тўлмоқ.

МУЖА́ТЬСЯ *несов.* бардам бўлмоқ, дадил бўлмоқ, ўзини дадил тутмоқ; **мужа́йтесь, друзья́!** дадил бўлинглар, ўртоқлар!

МУЖЕЛО́ЖЕСТВО *с* болабозлик, баччабозлик.

МУЖЕЛЮБИЕ *с* эркакларни яхши кўриш, эркакларга эҳтирос.

МУЖЕНЁК *м, р.* **-нька́** *ласк. от* **муж** 1 *разг.* эржон, эргина.

МУЖЕПОДО́БН/ЫЙ, -ая, ое; -бен, -бна эркакларга ўхшаш (ўхшаган); эркакнамо, эркаксимон; эркакшода; **~ая же́нщина** эркакларга ўхшаган аёл, эркакшода хотин; **~ый вид** эркакнамо кўриниш.

МУЖЕСТВЕ́ННЫЙ, -ая, -ое; -вен, -венна 1 мард, ботир, жасур, қаҳрамон, довюрак, қўрқмас; **~ челове́к** ботир одам; **~ наро́д** қаҳрамон халқ; 2 мардона, қаҳрамонона, мардонавор; **~ посту́пок** мардона иш (ҳаракат); қаҳрамонлик; **~ вид** мардонавор кўриниш.

МУ́ЖЕСТВО *с* мардлик, ботирлик, жасурлик, қаҳрамонлик, жасорат; **прояви́ть ~ в бою́** жангда жасорат кўрсатмоқ; **име́ть граждáнское ~ созна́ться в свое́й вине́** гражданлик жасорати билан ўз айбига иқрор бўлмоқ.

МУЖИ́К *м, р.* **-а́** 1 *уст.* мужик, деҳқон; 2 *прост.* эр киши, эркак одам; **он хоро́ший ~** у яхши одам; 3 *прост.* эр, қаллиқ; 4 *уст.* буржуа-дворян жамиятида: ўқимаган (оми) одам; оми.

МУЖИКОВА́ТЫЙ, -ая, -ое *разг.* оддий, содда, деҳқонча, деҳқонсимон; **~ вид** деҳқонсимон оддий кўриниш.

МУЖИЦКИЙ, -ая, -ое *уст.* мужикка, деҳқонга оид; мужик(лар)га, деҳқон(лар)га хос бўлган; мужик...; деҳқон...

МУЖ/ИЙ, -яя, -ее *прост.* 1 эрга теккан, эрли; **~яя жена́** эрли хотин; 2 *то же, что* **му́жнин; ~яя родня́** эрнинг қариндош-уруғлари.

МУЖНИ́Н, -а, -о *разг.* эрга тегишли, эрники; **~а ша́пка** эрининг (эримнинг) қалпоғи.

МУЖСК/О́Й, -а́я, -о́е 1 эркакларга оид; эркакларга мансуб (тааллуқли) бўлган; эркаклардан иборат; эркак...; **~о́е населе́ние страны́** мамлакатнинг эркак аҳолиси; мамлакат аҳолисининг эркаклардан иборат қисми; **~о́й пол** 1) эркак жинси; 2) *собир.* эркаклар; 2 эркаклар учун белгиланган; эркакча; эркаклар...; эрлар...; **~о́й костю́м** эркаклар костюми; **~а́я о́бувь** эркаклар пойабзали; мардона пойабзал; 3 эркакларга хос бўлган, эркакча, эркакларча; **~а́я похо́дка** эркакча юриш; **~о́й разгово́р** эркакча гап; ✦ **~о́й род** *грам.* мужской род.

МУЖЧИ́Н/А *м* 1 эр киши, эркак; киши; **у нас ~ы и же́нщины равнопра́вны** бизда эркаклар ва аёллар тенг ҳуқуққа эгадир; 2 эр киши; катта, мустақил одам; **поговори́м как ~а с ~ой** эр кишилардек гаплашиб олайлик; **будь ~о́й!** эркаклардек бўл!; ўзингни эр кишилардек тут!

МУ́ЗА *ж* 1 *миф.* муза (юнон мифологиясида: санъат, адабиёт, фан илоҳаси, худоси); 2 *перен.* муза, илҳом манбаи, илҳом париси, илҳомбахш нарса, манба.

МУЗЕЕВЕД *м* музейшунос.

МУЗЕЕВЕ́ДЕНИЕ *с* музейшунослик.

МУЗЕЕВЕДЧЕ́СКИЙ, -ая, -ое музейшуносликка оид; музейшунослик...

МУЗЕ́Й *м* музей; ажойибхона *(эск.);* **~изобрази́тельных иску́сств** тасвирий санъат музейи; **краеве́дческий ~** ўлкашунослик музейи; **~-кварти́ра** музей-квартира; **~ боево́й сла́вы** жанговар шон-шуҳрат музейи.

МУЗЕ́ЙН/ЫЙ, -ая, -ое музейга оид; музейга қарашли (тааллуқли) бўлган; музей...; **~ый экспона́т** музей экспонати; ✦ **~ая ре́дкость** жуда кам учрайдиган нарса, ноёб нарса.

МУ́ЗЫК/А *ж* 1 музика (ғоя, ҳис-туйғу ва кечинмалар уйғун ритмик товушлар орқали ифодаланадиган санъат тури); **исто́рия ~и** музика тарихи, 2 мусиқий асар, музика, куй; **симфони́ческая ~а** симфоник музика; **~а к кинофи́льму** кинофильм музикаси; **написа́ть ~у** музика ёзмоқ, куй ёзмоқ (яратмоқ); 3 мусиқий асар ижроси, чолғу овози; музика, чолғу, соз; **слу́шать ~у** музика тингламоқ; **~а и пе́ние** музика ва қўшиқ; музика чалиш ва қўшиқ айтиш; навозиш ва хониш қилиш; **танцева́ть под ~у** музикага рақс тушмоқ; 4 *разг.* музика, оркестр, чолғу; **вое́нная ~а** ҳарбий музика (оркестр); **в па́рке игра́ет ~а** паркда оркестр музика чаляпти; 5 *перен.* оҳанг, оҳангдорлик; **~а ре́чи** нутқ оҳанги; 6 *перен. прост.* нағма, ашула, қилиқ, иш; **надое́ла мне э́та ~а** бу нағма (қилиқ, иш) менинг жонимга тегди; **испо́ртить всю ~у** бутун ишни бузмоқ; **э́то ~и не де́лает** бу масалани ҳал қилмайди; бу ҳеч нарса эмас.

МУЗЫКА́ЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое; -лен, -льна 1 музикага оид; мусиқий; музика...; **~ый инструме́нт** музика асбоби, чолғу, соз; **~ый магази́н** музика магазини; **~ая шко́ла** музика мактаби; **~ая фра́за** мусиқий калом; 2 музикага қобилиятли; музикани яхши тушунадиган, сезадиган; **~ый ребёнок** музикага қобилиятли бола; 3 оҳангли, оҳангдор, мусиқий; **~ый го́лос** мусиқий овоз; 4 музикали; **~ая дра́ма** музикали драма.

МУЗЫКА́НТ *м* музикант, музикачи, машшоқ, созанда, навозанда.

МУЗЫКА́НТСКИЙ, -ая, -ое музикант(лар)га, созанда(лар)га оид; музикант...; созанда...

МУЗЫКА́НТША *ж разг.* музикант аёл.

МУЗЫКОВЕ́Д *м* музикашунос.

МУЗЫКОВЕ́ДЕНИЕ *с* музикашунослик.

МУЗЫКОВЕДЧЕ́СКИ/Й, -ая, -ое музикашуносликка оид; музикашунослик...; **~е дисципли́ны** музикашунослик фанлари.

МУ́К/А *ж* азоб, уқубат, жафо; азият, озор; қийинчилик, машаққат; **~и го́лода** очлик азоби; **~и твóрчества** ижод қийинчиликлари, уқубатлари; **родовы́е ~и** дард, тўлғоқ; **испы́тывать ~и отча́яния** умидсизлик азобини тортмоқ, умидсизлик азобига тушмоқ; ✦ **хожде́ние по ~ам** сарсонлик-саргардонликда; кўп машаққатли кунларни бошидан кечириш.

МУКА́ *ж* 1 ун; **кукуру́зная ~** зоғора уни; **пшени́чная ~** бугдой уни; 2 ун, кукун, толқон, порошок; **карто́фельная ~** картошка уни; **мра́морная ~** мармар уни (кукуни); майдаланган мармар.

МУКОМО́Л *м* тегирмончи; тегирмон саноатининг ишчиси, мутахассиси.

МУКОМО́ЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое тегирмонга, тегирмончиликка, ун тортишга оид; тегирмон...; **тегирмончилик...**; ун

www.ziyouz.com kutubxonasi

тортиш...; ~ое **произво́дство** тегирмон саноати, тегирмончилик корхонаси; ~**ый жёрнов** тегирмон тоши.

МУКСУ́Н *м, р.* **-а́** муксун (балиқ тури).

МУЛ *м* хачир.

МУЛА́Т *м* мулат, дурагай (оқ ва қора танли эр-хотиндан туғилган бола).

МУЛА́ТКА *ж, р. мн.* **-ток** *см.* **мула́т.**

МУЛИНЕ́ *с нескл.* мулине (кашта тикадиган рангли, ингичка пишиқ ип).

МУЛЛА́ *м* мулла, руҳоний.

МУЛЬТИМИЛЛИО́НЕР *м* мультимиллионер, катта миллионер.

МУЛЬТИПЛИКА́ТОР *м* 1 мультипликатор (кўп объективли фотоаппарат); 2 мультипликатор, мультипликациячи, мультипликация мутахассиси.

МУЛЬТИПЛИКАЦИО́ННЫЙ, -ая, -ое мультипликацияга оид; мультипликация усули билан ишланган, мультипликацион; мультипликация...; ~**ая съёмка** мультипликацион съёмка; ~**ый фильм** мультипликацион фильм.

МУЛЬТИПЛИКА́ЦИЯ *ж* мультипликация (бирин-кетин содир бўладиган ҳаракатлар тасвирини суратга олиш йўли билан кинофильм ишлаш ва шу усулда олинган кинофильм).

МУЛЬТФИ́ЛЬМ *м* мультфильм, мультипликацион фильм; **фа́брика** ~**ов** мультипликацион фильмлар фабрикаси.

МУЛЯ́Ж *м, р.* **-а́** муляж (нарсаларнинг мум қуйиб ясалган ўз катталигидаги нусхаси ёки қолипи); **восково́й** ~ мум қолип, мум нусха.

МУЛЯ́ЖНЫЙ, -ая, -ое муляжга оид; муляж...

МУМИФИЦИ́РОВАТЬ *сов.* и *несов.* мумиёламоқ; ~ **труп** жасадни мумиёламоқ.

МУМИФИЦИ́РОВАТЬСЯ, -руется 1 *сов.* и *несов.* мумиёланмоқ, мумиёга айланмоқ; мумиё бўлмоқ; 2 *несов. страд. от* **мумифици́ровать.**

МУ́МИ/Я I *ж* 1 мумиё (бальзамлаб чиримайдиган қилинган жасад); **еги́петские** ~**и** Миср мумиёлари; 2 қуруқ силласи қолган (қоқ суяк) одам; тирик мурда; **высох, как** ~**я** қуруқ силласи қолибди.

МУ́МИЯ II *ж* мумиё (қизил минерал бўёқ).

МУНДИ́Р *м* мундир, либос (формали кийим); **офице́рский** ~ офицерлар мундири (либоси); ✦ **честь** ~**а** либос (лавозим, мавқе) обрўсини сақлаш, либосига (лавозимига, мавқеига) муносиб иш қилиш; **карто́шка в** ~**е** пўсти артилмай пиширилган картошка.

МУНДИ́РНЫ/Й мундирга, либосга оид; мундир...; ~**е пу́говицы** мундир тугмаси.

МУНДШТУ́К *м, р.* **-а́** 1 мундштук, муштук; 2 мундштук, папирос найчаси; **папиро́сы с дли́нным** ~**о́м** муштуги узун папирос; 3 мундштук (пуфлаб чалинадиган асбобларнинг оғизга олинадиган қисми); ~ **фле́йты** флейта мундштуги; 4 танглайга ботадиган, пластинкали сувлиқ (асов отлар учун); **держа́ть ло́шадь на** ~**е́** асов отни сувлуқлаб бошқармоқ.

МУНДШТУ́ЧНЫЙ, -ая, -ое мундштукка, муштукка оид; мундштукли; мундштук...; муштук...

МУНИЦИПАЛИЗА́ЦИЯ *ж* муниципализация, муниципализация қилиш (уй-жойни, ер-мулкни давлат томонидан маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органларига ўтказиш); ~ **домо́в** уйларни муниципализация қилиш.

МУНИЦИПАЛИЗИ́РОВАТЬ *сов.* и *несов. что* муниципализация қилмоқ.

МУНИЦИПАЛИТЕ́Т *м* муниципалитет (баъзи мамлакатларда: маҳаллий ўз-ўзини идора қилиш органи).

МИНИЦИПА́ЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое муниципалитет(лар)га оид; муниципалитетларга қарашли; муниципалитет...; ~**ое учрежде́ние** муниципалитет идоралари.

МУРА *ж прост.* бўлмағур (бемаза, бемаъни) нарса; **э́ту муру́ я слу́шать не могу́** бундай бемаза нарсани эшитгим ҳам келмайди.

МУРАВ/А́ I *ж* барра ўт, майса, ўлан; **тропи́нка, заро́сшая** ~**о́й** барра ўт босган ёлғизоёқ йўл.

МУРАВА́ II *ж* сир (кулолчиликда).

МУРАВЕ́Й *м, р.* **-вья́** чумоли; қумурсқа.

МУРАВЕ́ЙНИК *м* 1 чумоли уяси, ини; 2 чумолихўр айиқ.

МУРАВИ́ТЬ, -влю, -вишь *несов. что спец.* сирламоқ, сир бермоқ (кулолчиликда); ~ **посу́ду** идишни (сопол идишни) сирламоқ.

МУРАВКА *ж нар.-поэт. ласк. от* **мурава́** I.

МУРАВЛЕ́НЫЙ, -ая, -ое сирланган, сир берилган, сирли (кулолчилик буюмлари ҳақида); ~ **изразе́ц** сирли кошин; сирланган сополак.

МУРАВУШКА *ж нар.-поэт. ласк. от* **мурава́** I.

МУРАВЧА́ТЫЙ I, **-ая, -ое** *нар.-поэт.* майса босган, майсали, майсазор; ~ **лужо́к** майсазор ўтлоқ.

МУРАВЧА́ТЫЙ II, **-ая, -ое** *обл.* хол-хол, холли, холдор; ~ **си́тец** холдор чит; хол-хол гулли чит.

МУРАВЬЁД *м* чумолихўр (ҳайвон).

МУРАВЬИ́Н/ЫЙ, -ая, -ое 1 чумолига оид, чумоли...; ~**ые я́йца** чумоли тухуми; 2 *перен.* чумоли каби, ғужғон ўйнаган, тинчимаган; ~**ая запа́сливость** чумоли каби ғамлаб қўйиш; ✦ ~**ая кислота́** чумоли кислотаси (чумоли организмида ва баъзи ўсимликларда бўладиган органик кислота); ~**ый спирт** чумоли спирти (чумоли кислотасининг сув ва спирт билан аралашмаси).

МУРА́Ш *м, р.* **-а́** *прост.* майда чумоли, қумурсқа; умуман қурт-қумурсқа.

МУРА́ШК/И *мн.* (*ед.* **мура́шка** *ж*) *прост. то же, что* **мура́ш;** ✦ **покры́ться** ~**ами** баданига майда-майда ғуддачалар тошмоқ; ~**и бе́гают** (или **по́лзают** и т. п.) **по спине́** (или **по те́лу** и т. п.) эт (бадан) жимирлашиб кетяпти.

МУРЗА́ *м ист.* мурза (15-аср татар давлатларида: феодал зодагонлар унвони ва шу унвонли киши).

МУРЛЫКА́НЬЕ *с* хириллаш, хур-хур қилиш (мушукнинг хириллаши ҳақида); ~ **ко́шки** мушукнинг хириллаши; мушукнинг хур-хури, мириллаши.

МУРЛЫКА́ТЬ, -ы́чу, -ы́чешь и **-аю, -аешь** *несов.* 1 хурилламоқ, хур-хур қилмоқ; **ко́шка ти́хо мурлы́чет** мушук секингина хурилламоқда; 2 *перен. что* и *без доп. разг.* хиргойи қилмоқ; минғиллаб (паст овоз билан) айтмоқ; ~ **пе́сенку** хиргойи қилиб қўшиқ айтмоқ.

МУРОВА́ТЬ, -ру́ю, -ру́ешь *несов.* (*сов.* **обмурова́ть**) *что спец.* урмоқ; қурмоқ; ~ **сте́ну** девор урмоқ; ~ **котёл** қозон қурмоқ.

МУРУ́ГИЙ, -ая, -ое тўқ саман; қорамтир қўнғир (ҳайвонлар туси ҳақида).

МУСКА́Т *м* 1 *то же, что* **муска́тный оре́х** *см.* **муска́тный;** 2 мускат (узум нави ва ундан тайёрланган вино); **гроздь** ~**а** бир бош мускат узум; **вы́пить стака́н** ~**а** бир стакан мускат ичмоқ.

МУСКА́ТН/ЫЙ, -ая, -ое мускатга оид; мускат...; ~**ые сорта́ виногра́да** узумнинг мускат навлари; ~**ое вино́** мускат вино; ✦ ~**ый оре́х** мускат ёнғоғи, мускат (Осиёнинг иссиқ мамлакатларида ўсадиган, доим яшил дарахт ва унинг хушбўй мағизли ёнғоғи).

МУСКУ́Л *м* мускул, мушак; **ше́йные** ~**ы** бўйин мускуллари (мушаклари); **ни оди́н** ~ **не дро́гнул** миқ этмади, пинагини ҳам бузмади.

МУСКУЛАТУ́РА *ж* мускулатура, мускуллар, мушаклар; **у него́ богаты́рская** ~ унинг мускуллари паҳлавонларникига ўхшайди.

МУСКУЛИСТЫ/Й, -ая, -ое мускуллари ривожланган, чиққан, бақувват; ~**е ру́ки** мускуллари чиққан (бақувват) қўллар.

МУСКУЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое мускул(лар)га, мушакларга оид; мускул...; мушак...; ~**ая си́ла** мускул кучи; ~**ое напряже́ние** мускулларнинг кучланиши, тортилиши.

МУСКУС *м* мушк.

МУ́СКУСНЫЙ, -ая, -ое мушкка оид; мушк...; ~ **за́пах** мушк ҳиди.

МУСЛИ́Н *м* муслин (юпқа газлама тури); **шёлковый** ~ ипакли муслин.

МУСЛИ́НОВ/ЫЙ, -ая, -ое муслинга оид; муслиндан қилинган; муслин...; ~**ая ткань** муслин мато; ~**ый шарф** муслин шарф.

МУСЛИ́ТЬ *несов.* (*сов.* **замусли́ть** и **намусли́ть**) *прост. то же, что* **муссо́лить** 1.

www.ziyouz.com kutubxonasi

МУСО́ЛИТЬ *несов. что разг.* 1 (*сов.* **замусо́лить** и **намусо́лить**) тупукламоқ, тупуклаб ҳўлламоқ; ~ **ни́тку** ипни тупукламоқ (мас., чийратиш ёки игнага тақиш учун); ~ **каранда́ш** қаламни тупуклаб ҳўлламоқ; 2 (*сов.* **замусо́лить**) тупук (ҳўл) тегизиб (ёки сўлак оқизиб) ифлос қилмоқ; доғ-доғ қилиб қўймоқ; ~ **кни́гу** китобни доғ-дуғ қилмоқ; 2 *перен. с чем* и *без доп.* чўзмоқ, эзмоқ; **ну, говори́, чего́ мусо́лишь!** қани, гапир, мунча чўзасан!

МУСО́ЛИТЬСЯ *несов.* (*сов.* **замусо́литься**) *прост.* (тупук тегизиб, сўлагини оқизиб) ҳамма ёғини ифлос (доғ-дуғ) қилмоқ; 2 *страд. от* **мусо́лить.**

МУ́СОР *м* 1 ахлат; супуринди; **я́щик для ~а** ахлат ташланадиган яшик; 2 *разг.* ташландиқ нарсалар; яроқсиз лаш-луш; қақир-қуқир.

МУСО́РИТЬ *несов.* (*сов.* **наму́сорить**) ивирситмоқ; ~ **в ко́мнате** уйни ивирситмоқ.

МУ́СОРН/ЫЙ, -ая, -ое ахлатга оид; ахлатдан иборат бўлган; ахлат ташланадиган; ахлат...; **~ая ку́ча** ахлат уюми; **~ая я́ма** ахлат ўра; **~ое ведро́** ахлат челак.

МУСОРОПРОВО́Д *м* мусоропровод, ахлат тортадиган қувур.

МУСОРОУБОРО́ЧН/ЫЙ, -ая, -ое ахлат тозалайдиган ва ташийдиган; **~ая маши́на** ахлат (кўча) тозалайдиган машина.

МУССИ́РОВАТЬ *несов. что книжн.* кўпиртирмоқ, бўрттирмоқ, муболаға қилиб, ошириб юбормоқ; ~ **слу́хи** овозларни бўрттирмоқ.

МУССО́Н *м* муссон (қишда денгиз томон, ёзда денгиздан қуруқлик томон эсадиган шамол).

МУ́СТАНГ *м* ёввойилашган от.

МУСУЛЬМА́НИН *м, мн.* **-а́не** мусулмон.

МУСУЛЬМА́НКА *ж, р.* **-нок** мусулмон аёл.

МУСУЛЬМА́НСК/ИЙ, -ая, -ое ислом динига ва мусулмонларга оид; ислом...; мусулмон...; **~ая рели́гия** ислом дини.

МУСУЛЬМА́НСТВО *с* 1 мусулмон дини, ислом; 2 мусулмонлар.

МУТИ́Т/Ь, мучу́, мути́шь и му́тишь *несов.* 1 (*сов.* **взмути́ть** и **замути́ть**) *что* лойқалатмоқ, лойқалантирмоқ, лойқа қилмоқ; ~**ь во́ду** сувни лойқалатмоқ; 2 (*сов.* **помути́ть**) *перен. что* хиралаштирмоқ, айнитмоқ; ғовлатмоқ; **алкого́ль ~ созна́ние** алкоголь онгни хиралаштиради; **меня́ ~** кўнглим беҳузур бўляпти; кўнглим айняпти; **от э́того лека́рства ~** бу дори кўнгилни айнитади; 3 *кого-что* фитна (ғулғула) солмоқ, ғалаёнга (ғул-ғулага) келтирмоқ, қўзғатмоқ; **~ь люде́й** одамларни ғул-ғулага солмоқ.

МУТИ́ТЬСЯ *несов* 1 (*сов* **замути́ться**) лойқаланмоқ; лойқа бўлмоқ; **вода́ му́тится** (и **мути́тся**) сув лойқаланади (лойқаланяпти); 2 (*сов.* **помути́ться**) *перен.* хираланмоқ, хиралашмоқ; айнимоқ; **ум мути́тся** ақл хиралашяпти; 3 *безл. разг.* айланмоқ; ғовламоқ; **в голове́ мути́тся** бош айланяпти; мия ғовлаб кетяпти; 4 *страд. от* **мути́ть** 1, 3.

МУТНЕ́/ТЬ, -е́ет *несов.* (*сов.* **помутне́ть**) 1 лойқамоқ, лойқаланмоқ, лойқа бўлмоқ; **вода́ ~ет** сув лойқаяпти (лойқайди); 2 *перен.* хираланмоқ, хиралашмоқ, ғовламоқ; **созна́ние ~ет** онг хиралашади (хиралашяпти).

МУ́ТН/ЫЙ, -ая, -ое; -тен, -тна 1 лойқа; лойқаланган; **~ая вода́** лойқа сув; 2 хира; хира босган; **~ое зе́ркало** хира ойна (кўзгу); **~ые глаза́** хира кўз; 3 хира; булут (туман) босган; **~ое не́бо** хира осмон; 4 *перен.* нотинч, олағовур; **~ая тишина́** нотинч сукунат; 5 *перен.* хира, айниган, ғовлаган; **~ая голова́** ғовлаган мия; ✦ **в ~ой воде́ ры́бу лови́ть** қулай фурсатдан (ола-ғовур, шов-шув ва ш. к. дан ўз манфаати учун) фойдаланиб қолмоқ (*л. м.* лойқа сувда балиқ тутмоқ).

МУТО́ВК/А *ж, р. мн.* **-вок** 1 чилчўп, куракча; **взби́ть я́йца ~ой** тухумни чилчўп билан кўпиртирмоқ; 2 *бот.* ғунша (ғуж барг, гул, новда).

МУ́ТОРНО *прост.* 1 *нареч.* юракни сиқадиган қилиб, юракни сиқиб, қизиқарсиз; 2 *безл. в знач. сказ.* ғаш, алағда, бежо; ~ **на душе́** кўнгил алағда.

МУ́ТОРН/ЫЙ, -ая, -ое; -рен, -рна *прост.* юракни сиқадиган, кўнгилни ғаш (алағда) қиладиган; ёқимсиз; **~ое де́ло** юракни сиқадиган иш; **~ый челове́к** ёқимсиз (мижғов) одам; **~ое настрое́ние** кўнгил ғашлик; кўнгил жойида эмаслик.

МУ́ТЬ *ж* 1 лойқа; қуйқа, қуйқум; **подня́ть ~ со дна** сувнинг тагидан лойқаларни кўтармоқ; сувни лойқалатмоқ; 2 *перен. чего* или *какая* ғира-шира, чанг-тўзон, ғубор; туманлик; **дождева́я ~** ёмғир ғубори; 3 *перен.* ғашлик, хиралик; ғовлаганлик; **в голове́ ~** бош ғовлаб ётибди; мия жойида эмас; **~ на душе́** кўнгил ғаш (хира); кўнгил хиралик, кўнгил ғашлик.

МУ́ФТА I *ж* муфта (аёлларнинг қишда икки ёқдан икки қўлни тиқиб юрадиган енгчаси).

МУ́ФТА II *ж тех.* муфта (икки вални, ўқни уловчи қисм ёки механизм).

МУ́ФТИЙ *м* муфти.

МУ́ФТОВ/ЫЙ, -ая, -ое *тех.* муфта II га оид; муфтали; муфта...; **~ое соедине́ние** муфтали бирикма; муфта воситасида бириктириш.

МУХ/А *ж* пашша; чивин (*обл.*); **ко́мнатная ~а** уй пашшаси; ✦ **бе́лые ~и** қор учқунлар, учқунлаган қор; **~и мрут** (или **до́хнут**) *см.* **мере́ть; ~и не оби́дит** қўй оғзидан чўп олмаган одам, жуда ювош одам (*л. м.* пашшага ҳам озор бермайди); **счита́ть ~** тоқи санамоқ, вақтини бекорчилик билан ўтказмоқ (*л. м.* пашша санамоқ); **де́лать из ~и слона́** пашшадек нарсани филдек қилиб юбормоқ; пашшадан фил ясамоқ; игнадек нарсани туядек қилиб кўрсатмоқ; **быть под ~ой** маст (ширакайф) бўлмоқ; **(то́чно) ~у проглоти́л** оғзига толқон солиб олгандек (*л. м.* худди пашшани ютиб юборгандек); **слы́шно как ~а пролети́т** пашша учса ҳам билинади, сув қуйгандек жимжит, **(кака́я) ~а уку́сила** *кого разг. соотв.* унга нима бало бўлди? уни нима жин урди? (*л. м.* уни қандай пашша чақиб олибди).

МУХЛЕВА́ТЬ, -лю́, -лю́ешь *несов. прост.* (*сов.* **смухлева́ть**) алдамчилик қилмоқ, алдамоқ, ҳийла ишлатмоқ.

МУХОЛО́ВКА *ж, р. мн.* **-вок** 1 мухоловка, пашшатутқич; 2 узунқуйруқ; узунқуйруқ чумчуқ (ҳашаротхўр қуш).

МУХО́МОР *м* мухомор (заҳарли замбуруғ тури; сувидан пашшадори сифатида фойдаланилади).

МУХОРТ/ЫЙ, -ая, -ое тўриқ малла; **~ая ло́шадь** тўриқ малла от.

МУ́ЧЕНИ/Е *с* азоб-уқубат, жафо; азият, озор; **терпе́ть ~е** жафо тортмоқ (чекмоқ, кўрмоқ); азоб-уқубат тортмоқ, озор кўрмоқ, азият чекмоқ; **причиня́ть ~я** азоб (озор) бермоқ, жафо қилмоқ; **одно́ ~е мне с ним** у менга ғирт дардисар бўлди.

МУ́ЧЕНИК *м* азоб (азият) тортган, азоб-уқубат тортувчи, азият чекувчи (чеккан), жафокаш; **~и фаши́стских засте́нков** фашистлар асоратининг азобини тортганлар; **~и нау́ки** фан жафокашлари.

МУ́ЧЕНИЦА *ж см.* **му́ченик.**

МУ́ЧЕНИЧЕСК/ИЙ, -ая, -ое азоб берадиган, қийнайдиган, азоб-уқубатли, қийин, оғир, машаққатли; азоб чеккан (қийналган, эзилган) одамларга хос; **~ая смерть** азобланиб (қийналиб) ўлиш; азобда ўлиш; **~ий взгляд** эзилган одамлардек қараш; ✦ **му́ка ~ая** *разг.* қаттиқ азоб-уқубатлар, оғир машаққатлар.

МУ́ЧЕНИЧЕСТВО *с* азоб-уқубатдаги аҳвол; азоб-уқубат тортиш; азоб-уқубат, жабр-жафо; **обре́чь на ~** азоб-уқубатларга солмоқ.

МУЧИ́ТЕЛЬ *м* азоб-уқубатларга солувчи, азоб берувчи, золим; ситамгар.

МУЧИ́ТЕЛЬНИЦА *ж см.* **мучи́тель.**

МУЧИ́ТЕЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое; -лен, -льна азоб берадиган, қийнайдиган; қийин, оғир, машаққатли; **~ый ка́шель** оғир (қаттиқ қийнайдиган) йўтал; **~ое сомне́ние** азобга соладиган (солаётган, қийнаётган) шубҳа.

МУЧИТ/Ь, -чу, -чишь и -чаю, -чаешь *несов.* (*сов.* **замучи́ть** и **измучи́ть**) *кого-что* азобламоқ; азоб (озор) бермоқ; қийнамоқ, азият чектирмоқ; **его́ ~ сомне́ние** уни шубҳа қийнаяпти; уни шубҳа азобга соляпти; **~ь себя́ ре́вностью** рашки келиб (рашкидан) қийналмоқ (азобланмоқ).

МУЧИ́ТЬСЯ, -чусь, -чишься и -чаюсь, -чаешься *несов.* (*сов.* **замучи́ться** и **измучи́ться**) азобланмоқ, қийналмоқ; азоб (жафо, машаққат) тортмоқ, озор емоқ, азият чекмоқ; ~ **от бо́ли** оғриқдан қийналмоқ; ~ **сомне́ниями** шубҳаланиб азоб тортмоқ.

www.ziyouz.com kutubxonasi

МУЧНИК *м, р.* -á *уст.* аллоф, унфуруш, ун сотувчи.

МУЧНИСТЫЙ, -ая, -ое унли; крахмалли; таркибида ун (ёки крахмал) бўлган; серкрахмал; ~ **карто́фель** серкрахмал картошка.

МУЧН/ОЙ, -а́я, -о́е 1 унга оид; ун солинган (солинадиган); унли, ун...; ~**о́й мешо́к** унли қоп; ун қопи; 2 ундан, хамирдан тайёрланган; хамир...; ~**ые блю́да** хамир овқатлар; 3 *в знач. сущ.* ~**о́е** *с* хамир овқат; **он лю́бит** ~**о́е** у хамир овқатни яхши кўради

МУШИ́НЫЙ, -ая, -ое *прил. от* **му́ха** пашшага оид; пашша...; ~ **рой** пашша галаси.

МУ́ШКА I *ж, р. мн.* **-шек** 1 *уменьш.-ласк. от* **му́ха** майда пашша; 2 ясама хол; 3 сидирға матога тикилган чакма гул; ✦ **шпа́нская** ~ *см.* **шпа́нский.**

МУ́ШК/А II *ж, р. мн.* **-шек** мушка, қоровул (отиш қуролларида); ✦ **брать (взять) на** ~**у** 1) нишонга (мўлжалга) олмоқ; 2) *перен.* мўлжалга, кўз остига олиб қўймоқ; **держа́ть на му́шке** *кого-что прям.* и *перен.* мўлжалда тутмоқ.

МУШКЕ́Т *м* мушкет (қадимий пилта милтиқ).

МУШКЕТЁР *м* мушкетёр (мушкет билан қуролланган солдат).

МУШКЕТЁРСКИЙ, -ая, -ое мушкетёр(лар)га оид; мушкетёрлардан тузилган; мушкетёр(лар)...; ~ **полк** мушкетёрлар полки.

МУШМУЛА́ *ж* мушмула (жанубда ўсадиган бир турли бута ёки дарахт ва унинг ноксимон ширин меваси).

МУШТРА́ *ж* муштра (1 кўр-кўрона қаттиқ интизомга асосланган ҳарбий таълим, ҳарбий машқ; 2 зўрма-зўраки таълим-тарбия).

МУШТРОВА́ТЬ, -ру́ю, -ру́ешь *несов. (сов.* **вы́муштровать**) *кого-что* муштра қилмоқ (1 кўр-кўрона қаттиқ интизом асосида ҳарбий таълим бермоқ, машқ қилдирмоқ; 2 зўрма-зўраки таълим бермоқ, тарбияламоқ).

МУЭ́ДЗИН *м* муаззин, сўфи.

МЧА́ТЬ, мчу, мчишь *несов.* 1 *кого-что* елдирмоқ, тез (елдек) учирмоқ, елдек учириб олиб бормоқ; 2 *разг. то же, что* **мча́ться.**

МЧА́ТЬСЯ, мчусь, мчи́шься *несов.* 1 елмоқ, елдек учмоқ, елдек учиб (тез) бормоқ; ~ **по у́лице** кўчада елдек учиб бормоқ; ~ **во весь опо́р** бор кучи билан югурмоқ; **мча́тся ту́чи** булутлар тез учиб бормоқда; 2 *перен.* ўтмоқ, ўтиб бормоқ; ўтиб кетмоқ; **вре́мя бы́стро мчи́тся** вақт тез ўтиб бормоқда.

МШИ́СТЫ/Й, -ая, -ое мох ўсган, мох босган, мох билан қопланган, сермох; ~**е берега́** мох босган қирғоқлар.

МЫ, нас, нам, нами, о нас *мест. личн.* 1 биз, бизлар; **мы е́дем за́втра** биз эртага кетамиз (жўнаймиз); **мы с ва́ми** сиз билан биз; биз ва сиз; **мы с бра́том** акам (укам) билан мен; **у нас ещё есть вре́мя** бизнинг ҳали (анча) вақтимиз бор; **у нас спроси́ли?** биздан сўрашдими?; **у нас он не́ был** у бизникида бўлмаган; у бизникига келгани йўқ; 2 *разг.* «сиз», «сен», «ўзлари» каби маъноларда киноя билан ишлатилади; **ну как мы себя́ чу́вствуем?** хўш (ўзларининг) аҳволлари (аҳволингиз) қалай; тузукмилар? **мы, ка́жется, испуга́лись?** қўрққанга ўхшайдилар-а? қўрқдилар шекилли?

МЫЗА *ж* миза, қўрғон; хутор (Болтиқ бўйи мамлакатларида).

МЫКА́ТЬ *несов. прост.:* **го́ре** ~ мусибат тортмоқ, азобуқубат чекмоқ; сарсон-саргардон бўлмоқ; ~ **век (или жизнь)** умр бўйи муҳтожликда яшамоқ, қўл учи билан кун кўрмоқ.

МЫКА́ТЬСЯ *несов. прост.:* ~ **по све́ту** оворайи жаҳон бўлиб юрмоқ.

МЫ́ЛИТЬ *несов. (сов.* **намы́лить**) 1 *кого-что* совунламоқ, совун суртмоқ; совунлаб (совун суртиб) ишқаламоқ, ювмоқ; ~ **ру́ки** қўлни совунламоқ, қўлни совунлаб ювмоқ; 2 *что* совунлаб (совун солиб) кўпиртирмоқ; ~ **во́ду** сувни совун солиб кўпиртирмоқ.

МЫ́ЛИТ/ЬСЯ *несов.* 1 совун суртмоқ, совун суртиб ювинмоқ; 2 кўпирмоқ; **э́то мы́ло хорошо́ мы́лится** бу совун яхши кўпирмайди; 3 совунни кўпиртирмоқ; **мя́гкая вода́ хорошо́ мы́лится** юмшоқ сувда совун яхши кўпиради; 4 *страд. от* **мы́лить.**

МЫЛК/ИЙ, -ая, -ое; -лок, -лка́, -лко яхши кўпирадиган; ~**ое мы́ло** яхши кўпирадиган совун.

МЫЛО *с, мн.* -á (при обозначении сортов) 1 совун; **кусо́к мы́ла** бир бўлак совун; **туале́тное** ~ атир совун, ироқи совун; **хозя́йственное** ~ кир совун; 2 кўпик (тер кўпиги); **ло́шадь в мы́ле** от терлаб-пишиб кетди; **от терга́** ботди.

МЫЛОВА́Р *м* совунгар.

МЫЛОВАРЕ́НИЕ *с* совунгарлик.

МЫЛОВА́РЕННЫЙ, -ая, -ое совунгарликка оид; совунгарлик...; ~ **заво́д** совунгарлик заводи, совун заводи.

МЫЛОВА́РНЯ *ж, р. мн.* **-рен** совунгарлик корхонаси.

МЫЛЬНИЦА *ж* ссвун қути, совундон; ~**из пластма́ссы** пластмасса совундон.

МЫЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое 1 совунга оид; совунли; **совун...; ~ый за́пах** совун ҳиди; ~**ый порошо́к** совун порошоги; ~**ая вода́** совунли (совун кўпиртирилган) сув; ~**ая пе́на** совун кўпиги; 2 совунланган, совун суртилган, **совунли; ~ые ру́ки** совунланган (совун суртилган) қўллар; ✦ ~**ый пузы́рь** совун пуфагидек асоссиз, пуч нарса; **э́та зате́я — ~ый пузы́рь** бу иш — пуч иш.

МЫЛЬНЯ́НКА *ж, р. мн.* **-нок** совунак (илдизи совун ўрнида ишлатиладиган ўтсимон ўсимлик).

МЫС *м геогр.* бурун; ~ **Челю́скина** Челюскин бурни.

МЫСИК *м* 1 *уменьш. от* **мыс;** 2 чиқиқ, бўртик; **воротничо́к с** ~**ами** бурмали ёқа.

МЫСЛЕНН/ЫЙ, -ая, -ое хаёлда (фикрда, мияда) туғилган, хаёлга (мияга, кўнгилга) келтирилган, тасаввур қилинган, хаёлий, фикрий, фаразий; кўнгилдаги; ~**ый о́браз** тасаввур қилинган (хаёлда туғилган) образ; ~**ое пожела́ние** кўнгилдаги орзу, тилак.

МЫСЛИМ/ЫЙ, -ая, -ое 1 *прич. от* **мы́слить;** 2 *в знач. прил.* мумкин бўлган, бўлиши эҳтимол тутилган, ақлга тўғри келадиган ҳол, ҳодиса; ✦ ~**ое ли де́ло?** бу иш ақлга тўғри келадими, ахир?

МЫСЛИ́ТЕЛЬ *м* мутафаккир, чуқур фикр қилувчи, фикрловчи.

МЫСЛИ́ТЕЛЬНЫ/Й, -ая, -ое тафаккурга, фикрлашга (фикр қилишга) оид; тафаккур...; фикрлаш...; ~**е спосо́бности** фикрлаш қобилияти.

МЫСЛИ/ТЬ *несов.* 1 фикр қилмоқ, фикр юритмоқ, фикрламоқ, ўйламоқ; **логи́чески** ~**ть** мантиқий фикр қилмоқ, мантиқий фикр юритмоқ; ~**ть о́бразами** образлар воситасида фикр юритмоқ; 2 тасаввур қилмоқ; ўйламоқ, хаёлга келтирмоқ; **как э́то вы себе́** ~**те?** сиз буни қандай деб ўйлайсиз?; сиз буни қандай бўлади деб тасаввур қиласиз?; **он не** ~**т себя́ вне коллекти́ва** у ўзини коллективсиз (коллективдан ташқари) тасаввур қила олмайди; 3 *с неопр. разг.* ўйламоқ, мўлжалламоқ, -моқчи бўлмоқ; ~**л съе́здить в го́род** шаҳарга бориб келмоқчи бўлган эди(м).

МЫСЛИТ/ЬСЯ, -ится *несов.* деб ўйламоқ; **мне** ~**ся, что...** ...деб ўйлайман; мен ўйлайманки,...

МЫСЛ/Ь *ж* 1 фикр, тафаккур; фикрлаш; **си́ла челове́ческой** ~**и** инсон тафаккурининг кучи; 2 идея, ғоя, ақл, фикр; **нау́чная** ~**ь** илмий ғоя; **основна́я** ~**ь произведе́ния** асарнинг асосий ғояси; **интере́сная** ~**ь** ажойиб фикр; **пода́ть** ~**ь** фикр бермоқ, маслаҳат бермоқ, ақл ўргатмоқ; 3 фикр, хаёл, андиша; ~**и о ма́тери** она ҳақидаги ўйлар; **у меня́ э́того и в** ~**ях не́ было** бу менинг хаёлимга ҳам келмаган (хаёлимда ҳам йўқ) эди, буни мен ўйлаганим ҳам йўқ эди; **все его́** ~**и за́няты рабо́той** унинг бутун хаёли (фикри-зикри) ишда; **собра́ться с** ~**ями** фикрни бир жойга қўймоқ, эс-ҳушини йиғиб олмоқ; **держа́ться** *какой-л.* **мы́сли** бирор фикрда бўлмоқ; 4 *мн.* ~**и** фикр, эътиқод, маслак; **мы с ва́ми одни́х** ~**ей** сиз билан бизнинг фикримиз (эътиқодимиз) бир; сиз билан биз бир фикрдаги (маслакдаги) кишилармиз; сиз билан биз маслакдошмиз.

МЫТ *м вет.* сақов (от ва эшакларда бўладиган юқумли касаллик).

МЫТА́РИТЬ *несов. (сов.* **замыта́рить**) *кого-что разг.* овора-сарсон (сарсон-саргардон) қилмоқ, қийнамоқ; машаққат кунларни бошига солмоқ.

МЫТА́РИТЬСЯ *несов. (сов.* **замыта́риться**) *разг.* овора-сарсон (сарсон-саргардон) бўлмоқ, қийналмоқ, машақ-

www.ziyouz.com kutubxonasi

қат чекмоқ; машаққатли кунларни бошдан кечирмоқ; ~ по све́ту оворайи жаҳон бўлмоқ.

МЫТА́РСТВ/О *с* оворайи сарсонлик, сарсон-саргардонлик, қийналиш, машаққат тортиш; **пройти́ че́рез все ~а** барча машаққатларни (не-не кунларни) бошдан кечирмоқ.

МЫТЬ, мо́ю, мо́ешь *несов.* 1 (*сов.* **вы́мыть** и **помы́ть**) *кого-что* ювмоқ; ~ **ру́ки** қўл(ни) ювмоқ; ~ **пол** пол(ни) ювмоқ; 2 ювмоқ, ўпирмоқ; ювиб (ўпириб) кетмоқ; **река́ мо́ет берега́** дарёнинг суви қирғоқларни ювиб (ўпириб) кетади; ✦ ~ **зо́лото** *спец.* кумни ювиб серолтин қисмини ажратмоқ; **рука́ ру́ку мо́ет** *погов.* қўл қўлни ювади; сиздан угина, биздан бугина.

МЫТЬЁ *с* ювиш; ювиниш; ~ **голово́в** бош(ни) ювиш; ~ **поло́в** пол(ни) ювиш; ✦ **не ~м, так ка́таньем** *см.* **ката́нье.**

МЫТЬСЯ, мо́юсь, мо́ешься *несов.* 1 ювинмоқ; чўмилмоқ; баданини, бет-қўлини ювмоқ; ~ **в ба́не** ҳаммомда ювинмоқ (чўмилмоқ); ҳаммомга тушиб чиқмоқ; 2 *страд. от* **мыть** 1.

МЫЧА́НИЕ *с* 1 маъраш; ~ **коро́в** сигирларнинг маъраши; 2 *перен. разг.* ғўлдираш, ғўлдир-ғўлдир гаплашиш.

МЫЧА́ТЬ *несов.* (*сов.* **промыча́ть**) 1 маърамоқ; 2 *перен. разг.* ғўлдирамоқ, ғўлдир-ғўлдир гапирмоқ, гаплашмоқ; ✦ **не мыча́т и не те́лится** *разг. шутл.* на гапиради, на бир иш қилади (*л. м.* маърамайди ҳам, туғмайди ҳам).

МЫША́СТЫЙ, -ая, -ое кўк, бўз (от туси).

МЫШЕЛО́ВКА *ж, р. мн.* **-вок** қопқон (сичқон тутадиган қопқон).

МЫ́ШЕЧН/ЫЙ, -ая, -ое мускул(лар)га, мушакларга оид; мускул...; мушак...; ~**ая ткань** мушак тўқимаси.

МЫ́ШИН/ЫЙ, -ая, -ое 1 сичқонга оид; сичқон; ~**ая нора́** сичқон ини; 2 кул ранг, бўз; **костю́м ~ого цве́та** кул ранг костюм; ✦ ~**ая возня́** (или **суета́**) тирикчилик ташвишлари билан елиб-югуриш, оворагарчилик; ~**ый жере́бчик** *см.* **жере́бчик;** ~**ый хво́стик** сичқоннинг думидек соч.

МЫШК/А I *ж:* **под ~ами** или **под ~ой** қўлтиғида; қўлтиғи остида (тагида); **носи́ть кни́гу под ~ой (под ~ами)** китобни қўлтиғига қистириб олиб юрмоқ; **у меня́ боли́т под ~ами** қўлтиғим (қўлтиғимнинг ости) оғрияпти; **под ~и** или **под ~у** (взять) қўлтиқлаб олмоқ; қўлтиғидан ушламоқ; **взять** *кого-л.* **под ~и** қўлтиғидан олмоқ (ушламоқ).

МЫШК/А II *ж, р. мн.* **-шек** сичқонча, сичқонбой; **игра́ть в ко́шки-~и** *см.* **игра́ть.**

МЫШЛЕ́НИ/Е и **МЫШЛЕНИ/Е** *с* 1 ўйлаш, фикрлаш фикр юргизиш; **проце́сс ~я** ўйлаш (фикрлаш) процесси; 2 тафаккур, фикрлаш; **мозг — о́рган ~я** мия тафаккур (фикрлаш) органидир.

МЫШО́НОК *м, р.* **-нка** *мн.* **-ша́та** сичқон боласи.

МЫ́ШЦ/А *ж* мушак, мускул; **серде́чная ~а** юрак мускули; ~**ы ног** оёқ мускуллари.

МЫ́ШЬ *ж* сичқон; **дома́шняя ~** уй сичқони; **бе́лая ~** оқ сичқон; **полева́я ~** дала сичқони; ✦ **лету́чая ~** кўршапалак.

МЫШЬЯ́К *м, р.* **-а́** 1 *хим.* мишьяк, маргимуш; 2 мишьякли дори (препарат); мишьяк; **впры́скивать больно́му ~** беморга мишьяк укол қилмоқ.

МЫШЬЯКО́В/ЫЙ, -ая, -ое мишьякка (маргимушга) оид; мишьякли, маргимушли; мишьяк..; маргимуш..; ~**ый препара́т** мишьякли препарат; мишьяк препарати; ~**ая кислота́** мишьяк кислотаси: арсенат кислота.

МЫШЬЯ́ЧН/ЫЙ, -ая, -ое *уст. то же, что* **мышьяко́вый;** ~**е со́ли** мишьяк тузлари.

МЭР *м* мэр (баъзи мамлакатларда: шаҳар бошқармасининг, муниципалитетнинг бошлиғи); шаҳар ҳокими.

МЭ́РИЯ *ж* мэрия (Францияда: муниципалитет ва унинг биноси).

МЮЗИК-ХОЛЛ *м* мюзик-холл (эстрада театри тури).

МЮРИД *м* мурид.

МЮРИДИ́ЗМ *м* муридизм (шафқатсиз ғазаватга даъват этувчи энг реакцион диний оқим).

МЯГК/ИЙ, -ая, -ое; -гок, -гка́, -гко; мя́гче 1 юмшоқ, бўш; майин; ~**ий хлеб** юмшоқ нон; ~**ое кре́сло** юмшоқ кресло (курси); ~**ое де́рево** юмшоқ (бўш) ёғоч; ~**ая сталь** юмшоқ пўлат; ~**ие ру́ки** юмшоқ қўллар; ~**ие во́лосы** майин соч(лар); ~**ая о́бувь** юмшоқ пойабзал; 2 юмшоқ ўриндиқли; юмшоқ; ~**ий ваго́н** юмшоқ (ўриндиқли) вагон; 3 кўзни олмайдиган, мўътадил; ~**ий свет** мўътадил ёруғлик; 4 енгил, оҳиста; ~**ая по́ступь** оҳиста қадам(лар); 5 *перен.* мулойим, юмшоқ, бўш; кўнгилчан, кўнгли бўш (юмшоқ); хушфеъл; ~**ий хара́ктер** хушфеъллик; кўнгилчанлик; **сказа́ть в ~ой фо́рме** мулойимлик билан айтмоқ; 6 бўш, енгил; ~**ий приго́вор** енгил жазо; 7 ёқимли, мўътадил; ~**ий кли́мат** мўътадил иқлим; 8 юмшоқ (таркибида оҳак кам бўлган); ~**ая вода́** юмшоқ сув; 9 *лингв.* юмшоқ; ~**ие согла́сные** юмшоқ ундошлар; ✦ ~**ий знак** юмшатиш белгиси (ь).

МЯ́ГКО *нареч.* 1 юмшоқ (қина) қилиб, юмшоқ; **на пери́не ~ спать** пар тўшакда юмшоққина ухлайсан киши; 2 мулойим(гина), майин(гина), мулойим (юмшоққина) қилиб; мулойимлик (юмшоқлик) билан; ✦ ~ **выража́ясь** *в знач. вводн. сл.* юмшоқроқ қилиб (андиша билан) айтганда.

МЯ́ГКОСЕРДЕ́ЧИЕ *с* кўнгли юмшоқлик, кўнгилчанлик, раҳмдиллик.

МЯ́ГКОСЕРДЕ́ЧНЫЙ, -ая, -ое; -чен, -чна кўнгли юмшоқ, кўнгилчан, раҳмдил; ~ **челове́к** кўнгилчан одам.

МЯ́ГКОСТЬ *ж* 1 юмшоқлик, бўшлик, майинлик; ~ **посте́ли** ўриннинг юмшоқлиги; ~ **воло́с** сочнинг майинлиги; 2 *перен.* кўнгли юмшоқлик, кўнгилчанлик, бўшлик, юмшоқлик; мулойимлик; **проявля́ть** ~ кўнгилчанлик қилмоқ, бўш қарамоқ.

МЯ́ГКОТЕ́ЛЫЙ, -ая -ое 1 бадани юмшоқ, юмшоқ баданли, юмшоқ бадан; 2 *перен.* бўш, бўшанг, шалвираган, ландавур; ~ **челове́к** шалвираган одам.

МЯ́ГКОШЁРСТНЫ/Й и **МЯ́ГКОШЁРСТЫЙ, -ая, -ое** майин юнгли, юнги майин; ~**е о́вцы** майин юнгли қўйлар.

МЯ́ГЧЕ *см.* **мя́гкий.**

МЯ́ГЧИТЕЛЬНЫ/Й, -ая, -ое юмшатадиган, юмшоқ (мулойим) қиладиган; ~**е сре́дства** юмшатадиган воситалар.

МЯ́ГЧИТ/Ь, -и́т *несов. что* юмшатмоқ, юмшоқ (мулойим) қилмоқ; **крем ~ ко́жу** крем баданни (терини) юмшатади.

МЯ́КИН/А *ж* чори, тўпон; **пшени́чная ~а** буғдой чориси; **ста́рого воробья́ на ~е не проведёшь** *погов.* туллак чумчуқни тузоққа тушириш қийин; туллак одамни алдаб бўлмайди.

МЯ́КИНН/ЫЙ, -ая, -ое чорига, тўпонга оид; чори...; тўпон..; ~**ая пыль** чори кукуни; ~**ый корм** чоридан қорилган ем.

МЯ́КИШ *м* ноннинг мағзи (юмшоқ жойи, ичи); **хле́бный ~** бўлка ноннинг мағзи (ичи).

МЯ́КН/УТЬ, -ну, -нешь; мяк, -ла *несов.* 1 (*сов.* **намя́кнуть и размя́кнуть**) ивимоқ, бўкмоқ; ивиб (бўкиб) юмшамоқ; **ко́жа ~ет в дуби́льном раство́ре** тери ошда юмшайди; 2 бўшашмоқ, шалвираб қолмоқ; **те́ло ~ет** эт (бадан) шалвираб қоляпти; 3 *перен.* бўшашмоқ, мулойимлашмоқ; кўнгли юмшамоқ, эримоқ.

МЯ́КОТ/Ь *ж* 1 гўшт, эт; **пу́ля застря́ла в ~и бедра́** ўқ (суякларга етмай) соннинг гўштида қолибди; 2 суяксиз гўшт, лахм гўшт, лаққа гўшт; **купи́ть ~и на котле́ты** котлетбоп лахм гўшт олмоқ; 3 эт, гўшт (меваларда); ~**ь сли́вы** олхўри гўшти (эти).

МЯ́ЛКА *ж, р. мн.* **-лок** 1 *то же, что* **льномя́лка;** 2 тери ийлайдиган, юмшатадиган машина, қурилма.

МЯ́МЛИТЬ *несов. разг.* 1 (*сов.* **промя́млить**) гапни чайнаб (ютиб, тушуниб бўлмайдиган қилиб) гапирмоқ, минғирламоқ; латтачайнарлик қилмоқ; ~ **что-то невразуми́тельное** минғирлаб нимадир деб қўймоқ; 2 имилламоқ, ивирсиламоқ; суст ҳаракат (мағзавалик) қилмоқ.

МЯ́МЛЯ *м* и *ж разг.* 1 гапни чайнаб (тушуниб бўлмайдиган қилиб) гапирадиган одам, латтачайнар; 2 имиллаган (ивирсираган) одам, суст ҳаракат қиладиган одам, мағзава.

МЯСИСТ/ЫЙ, -ая, -ое 1 эти, гўшти кўп; суяги кам, сергўшт; ~**ая кость** сергўшт суяк; ~**ый кусо́к говя́дины** бир бўлак суяги кам мол (сўқим) гўшти; 2 семиз, тўла, гўштдор; ~**ое лицо́** гўштдор юз; 3 эти қалин, сергўшт; ~**ые пе́рсики** эти қалин шафтоли.

МЯСНИК *м, р.* **-а́** қассоб.

www.ziyouz.com kutubxonasi

МЯСН/ОЙ, -а́я, -о́е 1 гўштга оид; гўшт...; **~о́й за́пах** гўшт ҳиди; 2 гўштдан тайёрланган, гўштли; гўшт...; **~ы́е котле́ты** гўшт котлети; **~ы́е блю́да** гўштли овқатлар; 3 гўшт ишлаб чиқариш ва гўшт савдосига оид; гўшт...; **~а́я ла́вка** гўшт дўкони; **~а́я промы́шленность** гўшт саноати; 4 гўштга (сўқимга) боқиладиган; бўрдоқи; **~о́й скот** гўштга (сўқимга) боқиладиган мол; 5 *в знач. сущ.* **~о́е** *с* гўштли овқат; **есть ~о́е** гўштли овқат емоқ; 6 *в знач. сущ.* **~а́я** *ж* гўшт дўкони; гўшт магазини.

МЯС/О *с* 1 *разг.* эт, гўшт (танада); **поре́зать па́лец до ~а** бармоқни гўштигача кесиб олмоқ (кесиб юбормоқ); 2 гўшт, эт; **говя́жье ~о** мол гўшти; **жа́реное ~о** қовурилган (қовурма) гўшт; 3 эт, гўшт (меваларда); ✦ **с ~ом вы́рвать** (или **оторва́ть**) таги-туги билан юлиб (суғуриб) олмоқ (мас., тугмани); **пу́шечное ~о** тўп еми.

МЯСОЗАГОТОВИ́ТЕЛЬНЫ/Й, -ая, -ое гўшт тайёрлашга оид; гўшт тайёрловчи; гўшт тайёрлаш...; **~е организа́ции** гўшт тайёрловчи ташкилотлар.

МЯСОЗАГОТО́ВКИ *мн., р.* **-вок** (*ед.* **мясозагото́вка** *ж*) гўшт тайёрлаш.

МЯСОКОМБИНА́Т *м* гўшт комбинати.

МЯСОМОЛО́ЧНЫ/Й, -ая, -ое гўшт-сут...; **~е проду́кты** гўшт-сут маҳсулотлари.

МЯСОПОСТА́В/КИ *мн., р.* **-вок** (*ед.* **мясопоста́вка** *ж*) гўшт топшириш; **план ~ок** гўшт топшириш плани.

МЯСОПРОДУ́КТЫ *мн.* гўшт маҳсулотлари.

МЯСОРУ́БК/А *ж, р. мн.* **-бок** 1 мясорубка; гўштқиймалагич; **пропусти́ть мя́со че́рез ~у** гўштни мясорубкадан ўтказмоқ; 2 *перен.* қирғин; қирғинбарон, хунрезлик; **попа́сть в ~у** қирғинда қолмоқ.

МЯСТИ́СЬ, мяту́сь, мятёшься *несов. уст.* саросима бўлмоқ, саросимага тушмоқ, эсанкирамоқ; довдирамоқ, ҳаяжонга келмоқ, изтироб чекмоқ; **мяту́щаяся душа́** изтиробдаги кўнгил; **мятётся ум** ақл шошади.

МЯ́Т/А *ж* 1 ялпиз; **за́пах ~ы** ялпиз ҳиди; 2 ялпиздан тайёрланган (ялпизли) дори, препарат; **напои́ть больно́го ~о́й** беморга ялпизли дори ичирмоқ.

МЯТЕ́Ж *м, р.* **-а́** исён, ғалаён; **контрреволюцио́нный ~** контрреволюцион исён; **подави́ть ~** исённи босмоқ (бостирмоқ).

МЯТЕ́ЖНИК *м* исёнчи, ғалаёнчи; исён (ғалаён) қатнашчиси.

МЯТЕ́ЖН/ЫЙ, -ая, -ое; -жен, -жна 1 исён (ғалаён) кўтарувчи (кўтарган), исёнчи, исёнкор; **~ое во́йско** исён кўтарган қўшинлар; 2 *высок.* тинч, беором, беқарор, тиним билмайдиган; жўшқин; **~ая душа́** беором кўнгил; жўшқин юрак.

МЯТЛИК *м* қўноқ ўт, қўнғирбош.

МЯТН/ЫЙ, -ая, -ое 1 ялпизга оид; ялпиз...; **~ый за́пах** ялпиз ҳиди; 2 ялпиздан олинган, тайёрланган; ялпизли; ялпиз...; **~ое ма́сло** ялпиз мойи; **~ые ка́пли** ялпизли томчи дори; 3 ялпиз таъмли, ялпизтаъм; **~ые конфе́ты** ялпизтаъм (тилни ловуллатадиган) конфет.

МЯТ/ЫЙ, -ая, -ое 1 *прич. от* **мять**; 2 *в знач. прил.* эзилган; захаланган, заха еган; пўла, пачоқ; **~ая я́года** эзилган мева; 3 *в знач. прил.* ғижимланган, ғижмалоқ бўлган; мижғалоқ; **~ая ска́терть** мижғалоқ дастурхон; 4 *перен. в знач. прил.* ҳорғин, сўлғин, чарчаган; **~ое лицо́** ҳорғин юз.

МЯТЬ, мну, мнёшь *несов.* 1 (*сов.* **размя́ть**) *что* эзмоқ, эзиб (босиб, янчиб) юмшатмоқ; ийламоқ; **~ гли́ну** лойни эзмоқ, лой тепмоқ; **~ ко́жу** терини ийламоқ; **~ лён** зиғирни янчмоқ; 2 (*сов.* **изма́ть** и **смять**) *что* ғижимламоқ, мижғалоқ қилмоқ, эзмоқ; **~ пла́тье** кўйлакни мижғалоқ қилмоқ; **~ траву́** ўтларни эзмоқ (топтамоқ); 3 (*сов.* **смять**) *кого-что разг.* сиқмоқ, қисмоқ, эзғиламоқ; **~ ру́ку** қўлни сиқмоқ.

МЯ́ТЬСЯ I, мнётся *несов.* (*сов.* **изма́ться, помя́ться** и **смя́ться**) ғижимланмоқ, мижғалоқ бўлмоқ, эзилмоқ; **пла́тье мнётся** кўйлак мижғалоқ бўлади (бўляпти); **иску́сственный шёлк не мнётся** сунъий шойи ғижимланмайди.

МЯ́ТЬСЯ II, мнусь, мнёшься *несов. разг.* иккиланмоқ; тортинмоқ; тараддудланмоқ; тараддуд ичида қолмоқ; **что мнёшься, говори́!** гапирсангчи, нега тараддудланиб қолдинг.

МЯ́УКАНЬЕ *с* миёвлаш; миёвлаш овози; миёв-миёв.

МЯ́УКА/ТЬ *несов.* (*сов.* **мяу́кнуть**) миёвламоқ; **ко́шка ~ет** мушук миёвлайди (миёвламоқда).

МЯ́УКНУТЬ *сов. однокр. см.* **мяу́кать.**

МЯЧ *м, р.* **-а́** копток, тўп; **футбо́льный ~** футбол тўпи; **де́вочки игра́ли в ~** қиз болалар копток ўйнамоқда (ўйнар) эди; **ру́чной ~** *то же, что* **гандбо́л.**

МЯЧИК *м* кичкина копток, коптокча, копток; **игра́ть в ~** копток ўйнамоқ.

Н

НА I *предлог* 1 *с вин.* «қаерга?», «қаёққа?», «нимага?», «кимга?» сўроқларига жавоб бўлиб келади: а) нарсалар қўйиладиган, ўрнатиладиган сирт, юза ва ш. к. ни билдиради; -га, устига; **поста́вить таре́лку на стол** тарелкани столга (стол устига) қўймоқ; **сесть на стул** стулга ўтирмоқ; **влезть на кры́шу** томга чиқмоқ; **прилепи́ть ма́рку на конве́рт** конвертга марка ёпиштирмоқ; **стели́ть ковёр на́ пол** полга гилам ёзмоқ; **пове́сить но́мер на дверь** эшикка номер осмоқ; б) иш-ҳаракатнинг кимса ё нарсага йўналтирилганлигини билдиради; -га; **наде́ть пальто́ на ребёнка** болага пальто кийдирмоқ; **натяну́ть перча́тку на́ руку** қўлга қўлқоп киймоқ; в) иш, вазифа ва ш. к. нинг бирор кимса ё нарсага юклатилганлигини билдиради; **свали́ть вину́ на друго́го** айбни бировга тўнкамоқ; **перевести́ ве́ксель** *на кого-л.* векселни бировнинг номига ўтказмоқ; г) иш-ҳаракат йўналишини, мақсадини билдиради; томонга, ёққа, тарафга; -га; **идти́ на рабо́ту** ишга бормоқ; **помча́ться на вы́стрел** ўқ овози эшитилган томонга югурмоқ; **по́езд идёт на Москву́** поезд Москвага боради; **полк дви́гался на за́пад** полк ғарбга томон борарди; **они́ иду́т на трениро́вку** улар тренировкага кетишяпти; д) нарсалар қараган томонни билдиради; -га; **окно́ на юг** жанубга қараган дераза; **дверь, кото́рая выхо́дит на у́лицу** кўча томонга чиқадиган эшик; е) иш-ҳаракатга қаратилган нарса ё кимсани билдиради; -га; **он да́же не взгляну́л на меня́** у менга ҳатто қарамади ҳам; **лека́рство не поде́йствовало на больно́го** дори беморга таъсир қилмади; **спекта́кль произвёл на нас большо́е впечатле́ние** спектакль бизда катта таассурот қолдирди; ж) ўхшаш кимса ё нарсани билдиради; -га; **сын похо́ж на отца́** ўғли отасига ўхшайди; **он не похо́ж на вас** у сизга ўхшамайди; **Им овладе́ло беспоко́йство, похо́жее на страх** (Чехов) Уни қўрқувга ўхшаш қандайдир безовталик қамраб олди; з) алмашланадиган, алиштириладиган нарсани билдиради; -га; **обменя́ть пшени́цу на рис** буғдойни гуручга алмаштирмоқ; **в обме́н на промы́шленные изде́лия** саноат маҳсулотлари эвазига (ўрнига); саноат маҳсулотларига алмаштириб; и) муддат ёки вақтни билдириб келади; **прие́хать на ме́сяц** бир ойга (бир ой муддат билан) келмоқ; **снять да́чу на ле́то** бир ёз учун ижарага дача олмоқ; **одолжи́ть де́ньги на неде́лю** бир ҳафтага пул (қарз) бериб турмоқ, бир ҳафта ичида қайтариб бериш шарти билан пул қарз бермоқ; **назна́чить встре́чу на шесть часо́в** учрашувни соат олтига тайинламоқ; **на сле́дующий день** келгуси кун, эртаси кун; **со дня на́ день** бугун эмас, эрта, тез орада; **загото́вить дров на́ зиму** қишга ўтин ҳозирламоқ; к) предмет белгисини билдириб келади; **ско́рый на́ руку** қўли чаққон; **слепо́й на оди́н глаз** бир кўзи кўр; **прия́тный на слух** қулоққа ёқадиган, ёқимли; л) мақсад, сабаб, боис ёки нима учун белгиланганлик ва ш. к. маъноларни билдириб келади; учун; -га; **план на э́тот год** шу йилга мўлжалланган план; **подня́ться на борьбу́** курашга кўтарилмоқ; **пра́во на о́тдых** дам олиш ҳуқуқи; **отре́з на костю́м** костюмлик (костюмбоп) материал; **бара́нина на шашлы́к** кабоббоп қўй гўшти; м) учун, манфаати учун; кўзлаб,

www.ziyouz.com kutubxonasi

деб; **он тру́дится на себя́** у ўз манфаати учун (ўзи учун) ишлайди; **на бла́го о́бщества** жамият манфаати учун; н) йўсин, тарз, иш-ҳаракат характери ва ш. к. маъноларни билдириб келади; **жить на свою́ зарпла́ту** ўз маоши билан яшамоқ; **око́нчить шко́лу на отли́чно** мактабни аъло баҳолар билан тамомламоқ; **на голо́дный желу́док** оч қоринга; **о)** бирор ниятга, мақсадга эришишни ифодалашда қўлланади; **учи́ться на сле́саря** слесарликка ўқимоқ; п) иш-ҳаракат қуролини, воситасини билдириб келади; **запере́ть на замо́к** қулф солмоқ, қулф билан беркитмоқ, қулфламоқ; **застегну́ть на все пу́говицы** барча тугмаларни қадамоқ; **что ты ку́пишь на э́ти де́ньги?** бу пулларга нима (сотиб) оласан?; р) миқдор, ўлчов ёки миқдорий белгиларни билдириб келади; **на ду́шу населе́ния** аҳоли жон бошига; **опозда́ние на де́сять мину́т** ўн минутга кеч қолиш; **кае́та на трои́х** уч кишилик каюта; **шко́ла на пятьсо́т учащихся** беш юз ўқувчига мўлжалланган мактаб; с) миқдорий ўзгаришларни билдириб келади; **разре́зать на три ча́сти** қирқиб уч қисмга бўлмоқ; **разби́ть на ме́лкие куски́** майда бўлакларга бўлмоқ; майдаламоқ; **умно́жить пять на два** бешни иккига кўпайтирмоқ; т) миқдорий тафовутни билдириб келади; -га; **отступи́ть на шаг (наза́д)** бир қадам орқага қайтмоқ; **он ста́рше вас на́ год** у сиздан бир ёш катта; **э́та доска́ коро́че на де́сять сантиме́тров** бу тахта ўн сантиметр қисқа; **на метр ни́же** бир метр паст; у) эргаш гап составида келади; **по́езд, на кото́рый они́ се́ли** улар чиққан (тушган) поезд; **тот, на кого́ они́ наде́ялись** улар ишонган одам; **2** *с предл.* «қаерда?», «қаёқда?», «нимада?», «кимда?» сўроқларига жавоб бўлиб келади ва а) нарсалар қўйилган, турган, ўрнатилган жойни, предметни билдириб келади; -да, устида; бўйида; **на столе́** столда; **на подно́се** патнисда; **го́род на Во́лге** Волга бўйидаги шаҳар; б) иш-ҳаракат ўрнини, соҳасини, доирасини билдириб келади; -да; тарафда, томонда; **рабо́тать на заво́де** заводда ишламоқ; **на су́ше и на мо́ре** қуруқликда ва денгизда; **вы́ступить на собра́нии** мажлисда сўзга чиқмоқ; **на како́й остано́вке вы выхо́дите?** сиз қайси бекатда тушасиз?; **он рабо́тает на Се́вере** у Шимолда (Шимол томонда) ишлайди; **они́ живу́т на Ура́ле** улар Уралда (Урал томонда) яшайдилар; в) эгнида, устида; **на нём был чёрный костю́м** унинг эгнида қора костюм бор эди, у қора костюм кийган эди, у қора костюмда эди; **на нём была́ отцо́вская папа́ха** у отасининг телпагини кийиб олган эди; г) иш, вазифа ва ш. к. юклатилган шахс ёки ташкилотни билдиради; **вся рабо́та по до́му лежи́т на ней** уй ишларининг барчаси унинг (аёлнинг) зиммасида; д) «кўнгил», «дил», «юрак» сўзлари билан қўлланади: **у меня́ тяжело́ на душе́** кўнглим жуда ғаш; **легко́ на се́рдце** кўнглим равшан; е) иш-ҳаракат объектини билдириб келади; -да, устида; **останови́ться на э́том вопро́се** бу масалага (масала устида) тўхтаб ўтмоқ; ж) бирор ҳолатда, кайфиятда ёки жойда эканликни билдириб келади; -да; **находи́ться на излече́нии** бир жойда даволанмоқ, даволанишда бўлмоқ; **быть на иждиве́нии** қарамоғида бўлмоқ; з) иш-ҳаракатнинг вақтини, муддатини билдириб келади; -да; **он уезжа́ет на днях** у яқин кунларда жўнаб кетади; **на э́той неде́ле** шу ҳафтада; и) иш-ҳаракат тарзи ёки шароитини билдириб келади; -да; **на глаза́х** кўз ўнгида; **идти́ на цы́почках** оёқ учида бормоқ; к) таянч, асос бўлган предметни билдириб келади; **ту́фли на высо́ких каблука́х** баланд пошнали туфли; **пальто́ на меху́** мўйнали пальто; **мост на понто́нах** понтонга ўрнатилган кўприк; л) иш-ҳаракатнинг қуролини, воситасини билдириб келади -да, ёрдамида; **ходи́ть на лы́жах** чанғида юрмоқ; **игра́ть на гита́ре** гитара чалмоқ; м) -да, билан; **пригото́вить на сли́вочном ма́сле** сариёғда тайёрламоқ; **развести́ на воде́** сувда (сувга) қормоқ; **на меду́** асалда, асал солиб, асал билан; **н)** -да, воситасида, орқали, устида; **кни́га на узбе́кском языке́** ўзбек тилида ёзилган китоб; **о́пыт на живо́тных** ҳайвонлар устида ўтказилган (ўтказиладиган) тажриба; о) турғун бирикмалар таркибида келади; **оши́бка на оши́бке** хато устига хато; **на скаку́** от чоптириб бораётиб (бораётганда); **на лету́** учиб бораётиб, учиб бораётганда; **на бегу́** чопиб (югуриб) кетаётиб (кетаётганда); п) эргаш гап составида келади; **самолёт, на кото́ром они́ прилете́ли** улар учиб келган самолёт; **поля́, на кото́рых се́ют хло́пок** пахта экиладиган майдонлар.

НА II и **НА́ТЕ** *частица в знач. сказ. разг.* ма, ол; **на (на́те) кни́гу** ма(нг) китобни ол(инг); ✦ **на́ тебе** оббо, ана холос; ол-а; **и вдруг на́ тебе — мото́р загло́х!** кутилмаганда мотор ўчиб қолса бўладими!

НА III *частица:* **како́й ни на есть** *см.* **како́й; кто ни на есть** *см.* **кто; что ни на есть** *см.* **что.**

НА- *приставка* 1 феъл олд қўшимчаси бўлиб: а) иш-ҳаракатнинг бирор нарсага қаратилганлик маъносини билдиради, мас.; **наки́нуть, налепи́ть, набро́сить;** б) иш-ҳаракатга кўплик, серагидан ортиқлик маъносини беради; мас.; **наговори́ть, накида́ть, нако́мкать;** в) иш-ҳаракатнинг сустлигини, пастлигини ёки нотўлалигини ифодалайди, мас.; **напева́ть, найгрывать, насви́стывать;** г) **-ся** аффикси билан иш-ҳаракатнинг етарлича тўла бажарилганлигини ифодалайди, мас.; **нае́сться, наигра́ться, наслу́шаться;** д) феълнинг тугалланган турини ясаш учун хизмат қилади, мас.; **напеча́тать, написа́ть;** 2 от ва сифатларга қўшилиб янги от ёки сифат ясайди; мас., **насте́нный, насто́льный, нарука́вник;** 3 равишларнинг орттирма даражасини ясайди, мас.; **на́крепко, на́строго, на́сухо.**

НАБА́ВИТЬ, -влю, -вишь *сов.* (*несов.* **набавля́ть**) *что* и *чего* оширмоқ, орттирмоқ; устига қўймоқ; ~ **це́ну** баҳони оширмоқ, баҳонинг устига қўймоқ; ~ **пла́ту за аре́нду** ижара ҳақини оширмоқ; ~ **ход** тезлигини оширмоқ.

НАБА́ВК/А *ж, р. мн.* **-вок** 1 *по гл.* **набави́ть;** 2 устама, устама пул, устига қўйилган (қўшилган) ҳақ, оширилган нарх; **уплати́ть с ~ой** устамаси билан тўламоқ.

НАБА́ВЛЯТЬ *несов. см.* **набави́ть.**

НАБАЛАГУ́РИТЬ *сов. разг.* кўп қизиқ (кулгили) гаплар айтмоқ, гапириб ташламоқ.

НАБАЛАМУ́ТИТЬ, -у́чу, -у́тишь *сов. кого-что* и *без доп. разг.* беҳуда шов-шувга сабаб бўлмоқ, бекорга шов-шув қилмоқ (кўтармоқ), ғалва қилмоқ.

НАБАЛДА́ШНИК *м* думалоқ тутқа (ҳасса ва ш. к. да).

НАБА́ЛОВАТЬ, -лу́ю, -лу́ешь *сов. разг.* 1 *кого* и *чем* эркалатиб юбормоқ, эрка ўстирмоқ, талтайтирмоқ, ўргатиб қўймоқ; ~ **ребёнка** болани эркалатиб юбормоқ; ~ **внима́нием** илтифот қилавериб талтайтириб юбормоқ; илтифотга ўргатиб қўймоқ; 2 кўп шўхлик қилмоқ, шўхлик қилавериб шўриш чиқармоқ.

НАБАЛОВА́ТЬСЯ, -лу́юсь, -лу́ешься *сов.* 1 *разг.* эрка бўлиб (талтайиб) кетмоқ; 2 роса шўхлик (тўполон) қилмоқ, мириқиб ўйнамоқ.

НАБА́ЛТЫВАТЬ I *несов. см.* **наболта́ть** I.

НАБА́ЛТЫВАТЬ II *несов. см.* **наболта́ть** II.

НАБАЛЬЗАМИ́РОВАТЬ *сов.* (*несов.* **бальзами́ровать**) *кого-что* мўмиёламоқ, бальзамламоқ; ~ **труп** мурдани мўмиёламоқ.

НАБА́Т *м* бонг, жом; **бить (или ударя́ть) в ~** *прям.* и *перен.* бонг урмоқ.

НАБА́ТНЫЙ, -ая, -ое бонгга (жомга) оид; бонг...; жом...; ~ **звон** бонг садоси.

НАБЕ́Г *м* қўққисдан бостириб кириш, босқин, ҳужум; **кавалери́йский** ~ отлиқлар босқини (ҳужуми); **подверга́ться ~ам кочёвников** кўчманчилар босқинига дуч келмоқ; **~и волко́в в овча́рню** бўриларнинг қўйхонага (қўтонга) ҳужуми; ✦ **с ~а (с ~у)** югуриб (учиб) бориб (бораётиб), от чоптириб келиб.

НАБЕГА́/ТЬ *сов. кого-что* 1 *разг.* югуравериб (чопаверіб) бир шикаст орттирмоқ; **~ть себе́ просту́ду** югуравериб шамоллаб қолмоқ; 2 *охот.* югуриб из қолдирмоқ, изи тушиб қолмоқ; **ожида́лась уда́чная охо́та, за́ ночь хорошо́ ~ли за́йцы** овнинг бароридан келишига ишонч катта эди, чунки тунда қуёнлар югуравериб кўп из қолдирган эди; 3 *спец.* чопишга (югуришга) ўргатмоқ (отни).

НАБЕГА́/ТЬ *несов.* 1 *см.* **набежа́ть;** 2 *на кого-что* қўққисдан ҳужум (ҳамла) қилмоқ; шитоб билан бостириб келмоқ; **Тата́ры ~ли на да́льние преде́лы моско́вские** (С. Бородин) Татарлар Москванинг узоқ чеккаларига қўққисдан ҳужум қилиб турардилар; 3 *разг.* аҳён-аҳёнда бир бормоқ (келмоқ), ҳар замонда кўринмоқ, бориб (келиб) турмоқ; **~ть домо́й** аҳён-аҳёнда уйга келиб кетмоқ; 4 ***безл. разг.***

www.ziyouz.com kutubxonasi

буришиб-тиришиб турмоқ, тортишмоқ (кийим ҳақида); **~ет в та́лии** кўйлакнинг бели буришиб турипти.

НАБЕГА́ТЬСЯ *сов.* 1 тўйгунча югурмоқ; **де́ти вдово́ль ~лись** болалар тўйгунча югуришди; 2 югура-югура (югуриб-елиб) чарчамоқ, югураверіб оёқдан қолмоқ.

НАБЕДОКУ́РИТЬ *сов. разг.* ёмон иш қилиб қўймоқ, шўхлик (ёки эҳтиётсизлик) орқасида бирор зарар етказмоқ, бир балони бошламоқ.

НАБЕДРЕ́НН/ЫЙ, -ая, -ое сондаги, сонга боғланган; сон...; **~ая повя́зка** сонга боғланган (боғланадиган) бинт; **~ые карма́ны** ён чўнтаклар.

НАБЕ́ДСТВОВАТЬСЯ *сов. разг.* кўп оғирчиликларни бошдан кечирмоқ, азоб-уқубат чекмоқ, кулфат тортмоқ; **~ на чужби́не** ғурбатда азоб-уқубат чекмоқ.

НАБЕЖА́/ТЬ, -егу́, -ежи́шь *сов.* (*несов.* **набега́ть**) 1 *на кого-что* тез (шиддат билан) келиб урилмоқ, қоқилиб (урилиб) кетмоқ; **~ть на прохо́жего** йўловчига урилиб кетмоқ; 2 тез босиб келмоқ, бирдан (бир онда) босмоқ, қопламоқ; **о́блако ~ло на со́лнце** бирдан қуёшни булут қоплади; **волна́ ~ла на бе́рег** тўлқин қирғоққа урилди; 3 *на что* келмоқ, пайдо бўлмоқ, кўринмоқ; **слёзы ~ли на ресни́цы** киприкларига ёш келди, киприкларида ёш кўринди; 4 тўсатдан бошланмоқ, бирдан эсмоқ, кўтарилмоқ (шамол ҳақида); 5 *разг.* югуриб келиб ғуж бўлмоқ, тезда (бирпасда) тўпланмоқ; **в клуб ~ло мно́го наро́ду** бирпасда клуб одамга тўлиб кетди; 6 *разг.* оқиб келмоқ, оқиб келиб тўпланмоқ; **вода́ ~ла в я́му** ўрага (ўрада) сув тўпланиб қолди; 7 *перен. разг.* йиғилиб, тўпланиб қолмоқ, йиғилиб-йиғилиб кўпаймоқ (пул, процент ҳақида); **~ли проце́нты** процентлар йиғилиб қолди.

НАБЕЗОБРАЗНИ́ЧАТЬ *сов. разг.* хунук (бўлмағур, ёмон) иш қилиб қўймоқ, расво ишлар қилмоқ.

НАБЕКРЕ́НЬ *нареч. разг.* чаккага қўйиб, чаккага қўндириб; **наде́ть ша́пку** ~ шапкани чаккасига қўндириб олмоқ; ✦ **мозги́** ~ *у кого* мияси жойида эмас, думбул.

НАБЕЛИ́ТЬ *сов.* 1 (*несов.* **бели́ть** 3) *что* оқартмоқ, оқартирмоқ; ~ **лицо́** юзни оқартирмоқ, юзга упа суртмоқ; 2 *что* и *чего* бир миқдор нарса оқартирмоқ, оқартириб қўймоқ; **~ сто ме́тров холста́** юз метр холст (бўз) оқартирмоқ.

НАБЕЛИ́ТЬСЯ *сов.* (*несов.* **бели́ться** 1) юзига упа-элик суртмоқ, юзини оқартирмоқ.

НА́БЕЛО *нареч.* оққа, тозага; **переписа́ть письмо́ ~** хатни оққа кўчирмоқ.

НАБЕРЕ́ЖН/АЯ *ж, р.* **-ой** 1 қирғоқ, мустаҳкамланган қирғоқ; **грани́тная ~ая** гранит билан мустаҳкамланган қирғоқ; 2 набережная, дарё (сув) бўйидаги кўча; **жить на ~ой** сув бўйидаги кўчада яшамоқ.

НАБИВА́ТЬ *несов. см.* **наби́ть.**

НАБИВА́ТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **наби́ться**; 2 *страд. от* **набива́ть.**

НАБИ́ВКА *ж* 1 *по гл.* **наби́ть** 1, 3, 5, 6; 2 тиқма, тўлдирилган, тиқилган нарса; **волосяна́я ~ матра́ца** матрасга тиқилган юнг; **ме́бельная ~** мебелга тиқилган нарса.

НАБИВН/О́Й, -а́я, -о́е тиқма, тиқилган, тўлдирилган; тиқиладиган, тўлдириладиган; **~ые папиро́сы** тиқма папиросlар; 2 кийдирма, кийдириладиган; **~ы́е о́бручи** кийдирма гардишлар; 3 гул босилган; **~о́й си́тец** гул босилган чит.

НАБИ́ВОЧН/ЫЙ, -ая, -ое тиқадиган, тўлдирадиган, тўлдириладиган, тиқиладиган; тиқиш..., тўлдириш...; **~ый материа́л** тиқиладиган материал; **~ая маши́на** тиқадиган машина, тиқиш машинаси.

НАБИРА́ТЬ *несов. см.* **набра́ть.**

НАБИРА́ТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **набра́ться**; 2 *страд. от* **набира́ть.**

НАБИ́Т/ЫЙ, -ая, -ое *прич. от* **наби́ть**; **зал, ~ый зри́телями** томошабин билан лиқ тўлган зал; **корзи́на, ~ая фру́ктами** меваларга лиқ тўла сават; ✦ **~ый дура́к**; **~ая ду́ра** *прост.* ғирт аҳмоқ, қип-қизил аҳмоқ.

НАБИ́ТЬ, -бью́, -бьёшь *сов.* (*несов.* **набива́ть**) 1 *что чем* тиқиштирмоқ, тўлдирмоқ, тўлатмоқ, зичлаб (ниқталаб) тиқмоқ, отмоқ; ~ **папиро́сы табако́м** папиросга тамаки тиқмоқ (отмоқ), папиросни тамаки билан тўлдирмоқ; ~ **чу́чело** тулумнинг (қўриқчининг) ичини тўлдирмоқ; ~ **по́греб льдом** ертўлани муз билан тўлдирмоқ; ~ **поду́шку пу́хом** ёстиққа пар тиқмоқ; 2 *что кем-чем* лиқ тўлдирмоқ, босиб кетмоқ; **ко́мната наби́та ме́белью** хона мебелларга лиқ тўлган; 3 *что* қоқмоқ, қоқиб қўймоқ, уриб (қоқиб) киргизмоқ, кийдирмоқ, кийгизмоқ; маҳкамламоқ; ~ **о́бруч на бо́чку** бочкага гардиш (чамбарак) кийдирмоқ; ~ **холст на ра́му** рамага холст (бўз) қопламоқ; 4 *что* уриб олмоқ, урилиб (ишқаланиб) шикаст емоқ; ~ **ши́шку на лбу** пешанани уриб олиб ғурра қилмоқ; **ло́шадь наби́ла хо́лку** от яғринини эгар урипти, эгар отнинг яғринини яғир қилипти; 5 *что спец.* гул босмоқ, чекмоқ; ~ **си́тец** читга гул босмоқ; 6 *что* и *чего* қоқиб ташламоқ (мих ва ш. к. ни); ~ **гвозде́й в сте́ну** деворга мих қоқиб ташламоқ; 7 *что* и *чего* бир миқдор сиидирмоқ (ндиш-товоқ ва ш. к. ни); ~ **мно́го посу́ды** кўп идиш-товоқ сиидирмоқ; 8 *кого-что* бир миқдор отиб олмоқ (туширмоқ); ~ **мно́го у́ток** кўп ўрдак отиб туширмоқ; 9 *кого прост.* роса урмоқ, дўппосламоқ; ✦ ~ **ру́ку** бирор ишга қўлини ўргатмоқ, ҳадисини олмоқ; ~ **це́ну** *на что* нархни оширмоқ, баҳосини ошириб юбормоқ; ~ **себе́ це́ну** ўз қийматини оширмоқ.

НАБИ́/ТЬСЯ *сов.* (*несов.* **набива́ться**) 1 тўлмоқ, лиқ тўлиб (тиқилиб) кетмоқ; **в клу́бе ~лось мно́го наро́ду** клубда одам тўлиб кетди; 2 тўлмоқ, босмоқ, тиқилмоқ (чанг, кир, лой ва ш. к. ҳақида); **пы́ли ~лось во все ще́ли** тирқишларга чанг тиқилиб кетибди; 3 *разг.* хиралик билан тиқилмоқ, суркалмоқ, суллоҳлик қилиб эришмоқ; **~ться в го́сти** хиралик билан (суллоҳлик қилиб) меҳмондорчиликка бормоқ.

НАБЛЕВА́ТЬ, -блюю́, -блюёшь *сов. прост.* қусиб ташламоқ, ҳамма ёқни қусуқ қилмоқ.

НАБЛУДИ́ТЬ, -ужу́, -уди́шь *сов. прост.* 1 йўлдан озмоқ, адашмоқ, ножўя ишлар қилиб қўймоқ; 2 шўхлик қилмоқ, тўполон қилмоқ; 3 олиб кетмоқ, олиб кетиб қолмоқ (мушук ҳақида).

НАБЛЮДА́ТЕЛЬ *м* 1 кузатувчи; **артиллери́йский ~** артиллерия кузатувчиси; **беспристра́стный ~** холис (четдан туриб) кузатувчи; холис томошабин; 2 *уст.* тақводор.

НАБЛЮДА́ТЕЛЬНИЦА *ж см.* **наблюда́тель.**

НАБЛЮДА́ТЕЛЬНОСТЬ *ж* кузатувчанлик, зийраклик.

НАБЛЮДА́ТЕЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое; -лен, -льна 1 кузатувчан, зийрак; **~ый ребёнок** кузатувчан бола; **~ый взгляд** зийрак қараш; 2 кузатишга оид, кузатиш учун хизмат қиладиган; кузатиш...; **~ый пункт** кузатиш пункти; **~ая коми́ссия исполко́ма** *спец.* ижроия комитетнинг кузатиш комиссияси.

НАБЛЮДАТЕЛЬСКИ/Й, -ая, -ое кузатувчига оид, хос, кузатувчилик...; кузатувчанлик...; **~е спосо́бности** кузатувчилик (кузатувчанлик) қобилияти.

НАБЛЮДА́ТЬ *несов.* 1 *кого-что, за кем-чем, с союзом* **что** или **как** кузатмоқ; таъқиб қилмоқ; ~ **затме́ние Со́лнца** Қуёш тутилишини кузатмоқ; ~ **за полётом пти́цы** қушнинг парвозини кузатмоқ; ~ **как игра́ют де́ти** болаларнинг қандай ўйнаётганлигини кузатмоқ; ~ **за подозрева́емым** шубҳали кишини кузатмоқ (таъқиб қилмоқ); 2 *кого-что* кузатмоқ, диққат билан қарамоқ, разм солмоқ, ўрганмоқ; ~ **жизнь живо́тных** ҳайвонлар ҳаётини ўрганмоқ; 3 *за кем-чем* назорат қилиб турмоқ, қараб турмоқ; ~ **за поря́дком в кла́ссе** синфда тартиб сақланишини назорат қилмоқ; ~ **за детьми́** болаларга қараб турмоқ; 4 *что* и *без доп.* кўрмоқ, учратмоқ; **тако́е он наблюда́л впервы́е** бундай нарсани (воқеани) у биринчи кўриши эди.

НАБЛЮДА́/ТЬСЯ, -а́ется *несов.* 1 кузатилмоқ, кўрилмоқ, юз бермоқ, учраб (бўлиб) турмоқ, сезилмоқ; **поля́рное сия́ние ~ется не то́лько в Арктике, но и в Антаркти́де** Қутб ёғдуси Арктикадагина эмас, балки Антарктидада ҳам кузатилади (бўлиб туради); **~ются оши́бки** хатолар учраб туради; 2 *страд. от* **наблюда́ть** 2.

НАБЛЮДЕ́НИ/Е *с* 1 *по гл.* **наблюда́ть**; **вести́ ~е** кузатмоқ, кузатиб бормоқ, кузатиб турмоқ; 2 кузатиш; назорат; **астрономи́ческие ~я** астрономик кузатишлар; **врач дели́лся свои́ми ~ями над больны́ми** врач беморлар ҳақидаги кузатишлари билан ўртоқлашди; **быть под ~ем** назорат остида бўлмоқ.

НАБЛЮСТИ́, -блюду́, -блюдёшь; -блю́л, -ла́ *сов. что* и *без доп. уст.* кузатмоқ, кузатиб аниқламоқ (топмоқ, билмоқ).

www.ziyouz.com kutubxonasi

НАБО́Б *м* набоб (1 Ҳиндистонда йирик мусулмон аристократларининг унвони ва шу унвон эгаси; 2 *уст.* Ҳиндистонда бойлик орттирган йирик инглиз колонизатори).

НАБО́ЕЧН/ЫЙ, -ая, -ое 1 гул босадиган (чекадиган); **~ая коло́дка** гул босадиган қолип; 2 *то же, что* **набо́йчатый; ~ая ска́терть** гулдор (гул босилган) дастурхон.

НАБО́ЖНО *нареч.* чин ихлос билан, қалбдан; **~ люби́ть** чин қалбдан севмоқ, яхши кўрмоқ.

НАБО́ЖНОСТЬ *ж* художўйлик, диндорлик, тақводорлик.

НАБО́ЖН/ЫЙ, -ая, -ое; -жен, -жна 1 художўй, диндор, тақводор; тавфиқли, батавфиқ; **~ая же́нщина** художўй хотин; **~ое настрое́ние** батавфиқ кайфият, батавфиқлик; 2 чин ихлос билан берилган, ихлосманд.

НАБО́ЙК/А *ж, р. мн.* **-о́ек** 1 *по гл.* **набо́ить** 3; **~а си́тца** читга гул босиш; 2 газмолга босилган гул; гул босилган газлама; 3 набойка (пошна остига қоқиладиган чарм, резина ёки металл пластинка); **ко́жаные ~и** чарм набойка; **металли́ческая ~а** нағал.

НАБО́ЙН/ЫЙ, -ая, -ое 1 гул босишга оид; гул босадиган; гул босиш...; **~ый цех** гул босиш цехи; **~ая маши́на** гул босиш машинаси; 2 *разг. уст. то же, что* **набо́йчатый.**

НАБО́ЙЧАТ/ЫЙ, -ая, -ое *разг. уст.* гулдор, гулли, гул босилган; **~ая ю́бка** гулдор юбка.

НАБО́ЙЩИК *м* 1 набойщик, тикувчи, тўлдирувчи, отувчи; **~ папиро́с** папиросга тамаки отувчи ишчи; 2 гул босувчи (чекувчи).

НАБО́ЙЩИЦА *ж см.* **набо́йщик.**

НА́БОК *нареч.* ёнга, ён томонга, ёнбошлаб; **склони́ть го́лову ~** бошни ён томонга эгмоқ (энгаштирмоқ); **ша́пка сползла́ ~** шапка чаккага тушиб (қийшайиб) кетди; **маши́на накрени́лась ~** машина ён томонга оғиб (ёнбошлаб) қолди.

НАБОЛЕ́ВШИЙ, -ая, -ее 1 *прич. от* **наболе́ть; 2** *в знач. прил.* зуд зарур, муҳим, долзарб; **~ вопро́с** зуд зарур (тезда ҳал этилиши зарур бўлган) масала.

НАБОЛЕ́/ТЬ, -е́ет *сов.* 1 безиллаб (зириллаб) қолмоқ; **рука́ ~ла** қўл безиллаб қолди; 2 *перен.* сиқилмоқ, эзилмоқ, дард-алам билан тўлиб-тошмоқ; нозик бўлиб қолмоқ; **душа́ ~ла** юрак дард-алам билан тўлиб-тошди; 3 *перен.* йиғилиб (тўпланиб) қолмоқ, ҳал қилиниши зуд зарур бўлиб қолмоқ; доли-гулига келмоқ; **~л вопро́с** масала (иш) доли-гулига келди.

НАБОЛТА́ТЬ I *сов. (несов.* **набала́тывать** I) *что* и *чего во что разг.* аталамоқ, аталаб қўшмоқ, аралаштирмоқ, қориштирмоқ; **~ яйц в молоко́** тухумни аталаб сутга қўшмоқ; аталаб тухумни сутга аралаштирмоқ.

НАБОЛТА́ТЬ II *сов. (несов.* **набала́тывать** II) 1 *что* и *чего разг.* вайсамоқ, валдирамоқ, бўлар-бўлмас гапларни айтмоқ, беҳуда гапириб ташламоқ; **~ мно́го ли́шнего** ортиқча вайсамоқ, беҳуда гаплар гапирмоқ; 2 *прост.* туҳмат қилмоқ, бўҳтон қилмоқ.

НАБОЛТА́ТЬСЯ *сов. разг.* роса (кўп) гапиришмоқ, тўйгунча (мириқиб) валақлашмоқ.

НА́БОР *м* 1 *по гл.* **набра́ть** 6, 7; **~ рабо́чей си́лы** ишчилар (ишчи кучи) олиш; **~ студе́нтов в институ́т** институтга студентлар қабул қилиш; **нача́ть ~ кни́ги** китобни тера бошламоқ; 2 набор, комплект, тўплам, сидра; **~ инструме́нтов** асбоблар комплекти; 3 *полигр.* набор, терилган ҳарфлар; **рассы́пать ~** наборни (терилган ҳарфларни) сочиб (тўкиб) юбормоқ; 4 қадама безаклар (оламунчоқ, чиғаноқ ва ш. к.); **реме́нь с серебряным ~ом** кумуш безакли камар; ✦ **~ слов** бемаъни сўзлар йиғиндиси, бемаъни ибора.

НАБО́РН/ЫЙ, -ая, -ое 1 наборга (ҳарф теришга) оид; набор...; **~ая ка́сса** набор касса; **~ый цех** набор (ҳарф териш) цехи; 2 *в знач. сущ.* **~ая** *ж* набор цехи, ҳарф териш цехи; 3 безак (нақш) қадалган, қадама нақшли, нақшин (от абзали, камар ҳақида); **~ый по́яс** қадама нақшли (нақшин) камар; 4 йиғма, қурама, қуроқ; **~ый парке́т** қуроқ паркет

НАБОРОНИ́ТЬ *сов. что, чего* бир миқдор ер бороналамоқ, борона қилмоқ; **~ три гекта́ра** уч гектар ерни бороналамоқ.

НАБОРОНОВА́ТЬ, -ну́ю, -ну́ешь *сов. то же, что* **набороно́ить.**

НАБО́РТНЫ/Й, -ая, -ое 1 кема бортидаги, кема бортига жойлашган; кема борти...; **~е сооруже́ния** кема бортидаги иншоотлар; 2 кийим бортидаги; борт..; **~е пу́говицы** кийим бортидаги тугмалар, борт тугмалари.

НАБО́РЩИК *м* наборчи, ҳарф терувчи.

НАБО́РЩИЦА *ж см.* **набо́рщик.**

НАБРАНИ́ТЬСЯ *сов. разг.* роса сўкишмоқ, қаттиқ айтишиб қолмоқ, сан-манга бормоқ.

НАБРА́СЫВАТЬ I *несов. см.* **наброса́ть.**

НАБРА́СЫВАТЬ II *несов. см.* **набро́сить.**

НАБРА́СЫВАТЬСЯ I *несов. см.* **набро́ситься.**

НАБРА́СЫВАТЬСЯ II *несов. страд. от* **набра́сывать** II.

НАБРА/ТЬ, -беру́, -берёшь *сов. (несов.* **набира́ть**) 1 *что* и *чего* термоқ, йиғиб (териб) олмоқ, тўпламоқ; **~ть корзи́ну грибо́в** бир сават қўзиқорин термоқ; 2 *что* и *чего* тўлдириб олмоқ; **~ть ведро́ воды́** бир челак сув (тўлдириб) олмоқ; 3 *перен. что* йиғмоқ, тўпламоқ, орттирмоқ, олмоқ; **ро́та ~ла́ о́пыт веде́ния боёв** рота жанг олиб бориш тажрибасини орттирди; 4 *перен. что* аста-секин оширмоқ, ошира бориб бирор меъёрга етказмоқ; **маши́на ~ла́ ско́рость** машина тегишли тезликка эришди; **самолёт ~л высоту́** самолёт етарлича баландликка кўтарилди; **~ть те́мпы в рабо́те** иш суръатини меъёрига етказмоқ; 5 *что* санамоқ, сонсаноғини (миқдорини) аниқламоқ, саноғига етмоқ; 6 *что* и *кого-чего* қабул қилмоқ, олмоқ; **~ть уча́щихся на ку́рсы** курсларга ўқувчилар қабул қилмоқ; **~ть тру́ппу** труппага одам қабул қилмоқ; труппани тўлдирмоқ; **~ть зака́зов** буюртмалар қабул қилмоқ; 7 *полигр. что* термоқ (ҳарф термоқ); **~ть коммента́рии пети́том** шарҳларни майда ҳарф (петит) билан термоқ; 8 *что* қисмлардан термоқ, тузмоқ, ясамоқ (қилмоқ); **~ть парке́т** паркет (пол) қилмоқ; 9 *что* термоқ, олмоқ (керакли ҳарф ёки рақамларни танламоқ); **~ть но́мер телефо́на** телефон номерини термоқ.

НАБРА́/ТЬСЯ *сов. (несов.* **набира́ться**) 1 йиғилмоқ, тўпланмоқ; йиғилиб (тўпланиб) қолмоқ, кўпаймоқ; **вода́ ~ла́сь в я́му** чуқурга сув тўпланипти; **в клу́бе ~ло́сь мно́го наро́ду** клубга кўп одам тўпланди; **~ло́сь мно́го жела́ющих** анча-мунча хоҳловчилар тўпланди; 2 *кого-что* чиқмоқ, етмоқ, бормоқ; **у меня́ и десяти́ рубле́й не наберётся** менда-ги пул (пулим) ўн сўм ҳам чиқмайди; 3 ташкил топмоқ, тузилмоқ; **штат мастерско́й ~лся из о́пытных рабо́чих** устахона штати тажрибали ишчилардан тузилди; 4 *перен. чего* ўзида бирор ички куч, ғайрат ва ҳ. к. ҳис қилмоқ; **~ться терпе́ния** сабр-тоқат қилмоқ, бардош бериб турмоқ; **~ться сил** куч(ини) тўпламоқ; **~ться сме́лости** журъат қилмоқ, ботинмоқ; 5 *кого-чего* юқтирмоқ, орттирмоқ, орттириб олмоқ, илаштирмоқ; ўзлаштирмоқ, ўрганмоқ; **~ться блох** бурга илаштириб келмоқ; **~ться стра́ху** роса қўрқмоқ; **с кем поведёшься, от того́ и наберёшься** *посл.* ким билан юрсанг, ўшандан ўрганасан; қозонга яқин юрсанг, қораси юқар; 6 *чего разг.* ғамламоқ, ғамлаб олмоқ (қўймоқ); олмоқ, топмоқ; **на таку́ю печь дров не наберёшься** бундай печкага ўтин ҳам етказиб бўлмайди; 7 *прост.* роса ичмоқ, ичиб маст бўлиб қолмоқ, маст бўлгунча ичмоқ; ✦ **~ться ума́** (или **ра́зума**) ақли кирмоқ, эс-ҳушини йиғиб олмоқ; **~ться ду́ху** ботинмоқ.

НАБРЕДА́ТЬ *несов. см.* **набрести́.**

НАБРЕСТИ́, -еду́, -едёшь; набрёл, -брела́ *сов. (несов.* **набреда́ть**) 1 *на кого-что* юриб-юриб (адашиб-улоқиб) дуч (тўқнаш) келиб қолмоқ, йўлиқмоқ, учратмоқ; **~ на избу́ лесника́** юриб-юриб ўрмон қоровулининг уйига дуч келмоқ; **~ на след** юриб-юриб из(ни) кўриб қолмоқ; **~ в толпе́ на знако́мого** оломон ичида танишга дуч келмоқ; 2 *на что* тўсатдан (бирдан) келиб қолмоқ, пайдо бўлмоқ, туғилмоқ; **~ на уда́чную мысль** мияга тўсатдан яхши фикр келиб қолмоқ; 3 бирин-сирин (ҳар томондан келиб) тўпланмоқ, йиғилишмоқ; **к ме́сту ава́рии набрело́ нема́ло любопы́тных** ҳалокат юз берган жойда анча одам йиғилди.

НАБРОСА́ТЬ *сов. (несов.* **набра́сывать** I) 1 *что* и *чего* устма-уст ташламоқ, ташлаб-ташлаб (ташлайвериб) тўлдирмоқ, уйиб юбормоқ; **~ окуро́в** папирос қолдиқлари билан тўлдириб ташламоқ; **~ на на́ры соло́мы** тахта каравотларга похол ташламоқ; 2 *что* хомаки ёзиб (чизиб) чиқмоқ, **хомқолип планини тузмоқ**; белгилаб олмоқ; **~ портре́т**

www.ziyouz.com kutubxonasi

портретни хомаки чизиб чиқмоқ; ~ **план рома́на** романнинг хомқолип планини ёзиб (белгилаб) олмоқ.

НАБРО́СИТЬ, -о́шу, -о́сишь *сов.* (*несов.* **набра́сывать** II) *что* 1 устига ташламоқ, солмоқ, ёпмоқ, устидан ёпиб қўймоқ; ~ **на мешки́ с мукой брезе́нт** унли қоплар устига брезент ёпмоқ; 2 устига ташлаб (ёки ёпиниб) олмоқ, наридан-бери ёпинмоқ; ~ **на го́лову косы́нку** бошига косинка ташлаб олмоқ; ~ **плащ** елкасига плашч ташлаб олмоқ; 3 илинтириш ёки ушлаб (тутиб) қолиш учун ташламоқ; ~ **арка́н** арқон ташламоқ.

НАБРО́СИ/ТЬСЯ *сов.* (*несов.* **набра́сываться**) 1 *на кого-что* ташланмоқ, ҳамла қилмоқ, човут солмоқ; таламоқ; **соба́ка ~лась на прохо́жего** кучук йўловчига ташланди (йўловчини талади); 2 *на что разг.* астойдил киришмоқ, жон-жаҳди билан ёпишмоқ, ташланмоқ; **~ться на рабо́ту** ишга астойдил киришмоқ (ёпишмоқ); **~ться на еду́** овқатга ёпишмоқ (ташланмоқ); 3 *на кого-что разг.* бирдан ёпишиб кетмоқ, талаб (уришиб) ташламоқ; **~ться** *на кого-л.* **с упрёками** кимсага гина-кудуратлар билан ёпишиб кетмоқ; **~ться на безви́нного** бегуноҳ одамга ёпишмоқ.

НАБРО́СОК *м, р.* **-ска** хомқолип, хомаки план (лойиҳа, режа ва ҳ. к.), тарҳ; **сде́лать** ~ *чего-л.* бирор нарсанинг хомқолипини чизиб (тузиб) олмоқ; ~ **пла́на** планнинг хомқолипи; хомаки план; ~ **расска́за** ҳикоянинг хомаки (дастлабки) лойиҳаси; **портре́тный** ~ портретнинг хомаки (қалам, кўмир ва б. билан чизиб олинган) лойиҳаси.

НАБРЫ́ЗГАТЬ *сов.* (*несов.* **набры́згивать**) *что, чего* и *без доп.* сачратмоқ, сачратиб юбормоқ, сачратиб сепмоқ ёки ифлос (доғ-дуғ) қилмоқ; ~ **на пол воды́** полга шакароб қилиб сув сепмоқ; ~ *на что-л.* **ма́слом** бирор нарсага мой сачратиб юбормоқ.

НАБРЫ́ЗГИВАТЬ *несов. см.* **набры́згать.**

НАБРЮ́ШНИК *м* белдамча, қоринбоғ; **ва́тный** ~ пахтали белдамча.

НАБРЮ́ШНЫЙ, -ая, -ое 1 қоринни қоплаган, қорин устидаги; ~ **жи́ровой слой** қоринни қоплаган ёғ қатлами; 2 қоринга боғланадиган, қўйиладиган; ~ **банда́ж** қоринга боғланадиган бандаж, қуллоб.

НАБРЯ́К/НУТЬ, -нет; -бря́к, -ла *сов.* 1 бўкмоқ, нам тортмоқ, намиқиб шишиб қолмоқ; **~шая дверь** намиқиб шишиб қолган эшик; 2 керкмоқ, бўртмоқ, тўлишмоқ, шишиб кетмоқ, қавариб қолмоқ; **вымя коро́вы ~ло** сигирнинг елини тўлишди; **от бессо́нной но́чи ~ли ве́ки** уйқусизликдан қовоқлар шишган (керкиб қолган).

НАБУ́ЗИТЬ, -зи́шь *сов. прост.* жанжал (тўполон) кўтармоқ, ғавғо чиқармоқ.

НАБУРА́ВИТЬ, -влю, -вишь *сов.* (*несов.* **набура́вливать**) *что-чего* бир миқдор пармаламоқ, пармалаб қўймоқ, тешмоқ; ~ **де́сять отве́рстий** ўнта тешик пармаламоқ.

НАБУРА́ВЛИВАТЬ *несов. см.* **набура́вить.**

НАБУРИ́ТЬ *сов. что* и *чего* бир миқдор бурғиламоқ, бурғи билан бир миқдор тешмоқ, ўймоқ; ~ **мно́го сква́жин** кўп скважина (қудуқ) бурғиламоқ.

НАБУТИ́ТЬ, -учу́, -ути́шь *сов.* (*несов.* **набу́чивать**) *что* тош (шағал) ётқизмоқ, тош (шағал) ётқизиб чиқмоқ.

НАБУХА́НИЕ *с* 1 *по гл.* **набуха́ть**; 2 бўртиш, амал олиш; ~ **семя́н** уруғларнинг бўртиб чиқиши; ~ **по́чек** куртакларнинг бўртиши.

НАБУ́ХАТЬ *сов. чего прост.* кўп (меъёридан ортиқ) солмоқ, шоп этиб ташламоқ, тўлдириб (тошириб) юбормоқ; ~ **воды́ в кастрю́лю** кастрюлькага шоп (шалоп) этиб сув қуймоқ.

НАБУХА́ТЬ, -а́ет *несов. см.* **набу́хнуть.**

НАБУ́Х/НУТЬ, -нет; -бу́х, -ла *сов.* (*несов.* **набуха́ть**) 1 бўкмоқ, нам тортмоқ, нам тортиб шишмоқ; **земля́ ~ла от вла́ги** ер нам тортиб кўпчиди; **дверь от сы́рости ~ла** эшик нам тортиб, шишиб қолибди; 2 бўртмоқ, амал олмоқ; **на дере́вьях ~ли по́чки** дарахтларда куртаклар бўртиб қолди; 3 керкмоқ, бўртмоқ, шишмоқ, қабариб (бўртиб) чиқмоқ; **ру́ки с ~шими ве́нами** томирлари бўртиб чиққан қўллар.

НАБУ́ЧИВАТЬ *несов. см.* **набути́ть.**

НАБУ́ШЕВАТЬ, -шу́ю, -шу́ешь *сов. разг.* шовқин солмоқ, шовқин солиб ғалва кўтармоқ.

НАБУЯ́НИТЬ *сов. разг.* тўполон қилмоқ, жанжал қилмоқ, ғалва кўтармоқ.

НАБЫ́ЧИ/ТЬСЯ *сов. прост.* хўмраймоқ, тумшаймоқ, қовоқ солиб ер остидан қарамоқ; **смотре́ть ~ вшись** хўмрайиб қарамоқ.

НАВА́ГА *ж* навага (трескаларга мансуб балиқ тури).

НАВАЖДЕ́НИЕ *с* шайтон васвасаси; васваса, хаёл; **что за ~!** бу қандай васваса (хаёл)!

НАВАЖ/ЙЙ, -ья, -ье *прил. от* **нава́га** 1 навагага оид; навага...; **~ий про́мысел** навага ови, навага овлаш; 2 навагадан тайёрланган, навага балиғидан қилинган; **~ья уха́** навага шўрваси.

НАВА́Л *м* 1 *по гл.* **навали́ть** 1—3 и **навали́ться** 1; ~ **му́сора за го́родом** ахлатни шаҳардан ташқарига чиқариб ташлаш; 2 бетартиб уюм, айқаш-уйқаш уйилган нарса, тўп; **~ы отхо́дов** чиқинди уюмлари; 3 *мор.* ёни билан урилиш, тегиш (кемалар ҳақида); **избежа́ть ~а при причали́вании** кемани ёнларини урмасдан тўхтатиб боғлаш.

НАВА́ЛИВАТЬ I *несов. см.* **навали́ть** 1—3.

НАВА́ЛИВАТЬ II *несов. см.* **навали́ть** 1.

НАВА́ЛИВАТЬСЯ I *несов.* 1 *см.* **навали́ться**; 2 *страд. от* **нава́ливать** I.

НАВА́ЛИВАТЬСЯ II, -ается *несов. страд. от* **нава́ливать** II.

НАВАЛИ́ТЬ *сов.* (*несов.* **нава́ливать** I) 1 *кого-что на кого-что* юкламоқ, ортмоқ; ~ **мешо́к на пово́зку** қопни аравага ортмоқ; 2 *перен. что на кого-что* зиммасига қўймоқ, юкламоқ, ортмоқ; ~ **всю рабо́ту на одного́** ҳамма ишни бир одамга юкламоқ; 3 *что* и *кого-чего* бетартиб уймоқ, уйиб ташламоқ, ғуж (айқаш-уйқаш) қилиб тўкмоқ; **на дворе́ нава́лен кирпи́ч** ҳовлига ғишт уйиб ташланган; 4 *перен.* кўп келмоқ, ёғмоқ; **сне́гу навали́ло по коле́но** тизза бўйи қор ёғди; **наро́ду навали́ло** жуда кўп одам тўпланди; тумонат одам келди, одам ёғилиб кетди.

НАВАЛИ́/ТЬСЯ *сов.* (*несов.* **нава́ливаться** I) 1 *на кого-что* оғирлигини солмоқ, ётиб олиб ёки суяниб зўр бермоқ; **~ться на дверь** эшикка оғирлигини солмоқ; 2 *перен.* бошга (зиммасига ва ҳ. к.) тушмоқ, ёғилмоқ; **на меня́ ~лось мно́го забо́т** зиммамга кўп ташвиш тушди; 3 *перен. на кого-что* ташланмоқ, ўзини урмоқ, жон-жаҳд билан ёпишмоқ, киришмоқ, ёпирилмоқ; **~ться на врага́** душманга шиддат билан ҳужум қилмоқ; **~ться на еду́** овқатга ўзини урмоқ; 4 *перен.* эгалламоқ, босмоқ, чулғамоқ; **на него́ ~лся страх** уни қўрқув босди; 5 бир миқдор тушмоқ, тўкилмоқ; **в око́п ~лось мно́го земли́** окопга кўп тупроқ тушди; 6 *мор.* оғмоқ, қийшаймоқ; **кора́бль ~лся на пра́вый борт** кема ўнг томонга оғди.

НАВА́ЛК/А *ж спец. по гл.* **навали́ть**; **~а у́гля** кўмир тўкиш, кўмир тушириш; ✦ **в ~у** уйиб, тўкиб, устма-уст ортиб (ташлаб), қопламасдан, идишсиз; **перевози́ть груз в ~у** юкларни устма-уст ортиб (идишсиз) ташимоқ.

НАВА́ЛОМ *нареч.* 1 упаковкасиз, идишсиз, устма-уст ортиб, қопламасдан; **грузи́ть в ваго́ны** ~ вагонларга юкни қопламасдан (идишсиз) ортмоқ; 2 бетартиб ҳолда, устма-уст, қалаштириб, айқаш-уйқаш, палапартиш; 3 *прост.* кўп, сероб, тиқилиб ётибди; **э́того добра́ у нас** ~ бу нарса бизда тиқилиб ётибди.

НАВАЛООТБО́ЙКА *ж горн.* навалоотбойка (кўмирни қазиб, тўппа-тўғри конвейерга ортиш усули).

НАВАЛООТБО́ЙЩИК *м* навалоотбойкачи (кўмирни қазиб, тўппа-тўғри конвейерга юкловчи ишчи).

НАВА́ЛОЧН/ЫЙ, -ая, -ое 1 уйиб, қопламасдан, упаковка қилмай; **~ый спо́соб погру́зки** юкни қопламасдан ортиш; 2 юклайдиган, ортадиган; юклаш..., ортиш...; **~ая маши́на** юклайдиган машина, юклаш машинаси.

НАВАЛЯ́ТЬ *сов.* (*несов.* **нава́ливать** II) *что* и *чего* 1 бир миқдор кигиз (намат, пийма ва ҳ. к.) босмоқ; ~ **не́сколько пар ва́ленок** бир неча жуфт пийма босмоқ; 2 *прост.* бир миқдор қулатмоқ, кесмоқ (дарахт ҳақида); ~ **мно́го ле́су** кўп дарахт кесмоқ; 3 *прост.* наридан-бери ёзмоқ ёки чизмоқ, ёзиб (ёки чизиб) ташламоқ.

НАВАЛЯ́ТЬСЯ *сов. разг.* кўп (узоқ вақт) ётмоқ, тўйгунча (қониб) ағнамоқ; ~ **на пля́же** пляжда (қониб) ётмоқ; ✦ ~ **в нога́х** *у кого прост.* кўп ялинмоқ, ялиниб оёғига бош урмоқ.

www.ziyouz.com kutubxonasi

НАВА́Р *м* 1 қайнатма; чиқим; **грибно́й ~** замбуруғ қайнатмаси; **э́тот чай даёт хоро́ший ~** бу чойнинг чиқими яхши, бу чой яхши чиқади (чиқимли); 2 сардак (шўрванинг ёғи); **суп с ~ом** сардакли шўрва (суюқ ош).

НАВА́РИВАТЬ *несов. см.* **наварѝть.**

НАВА́РИСТЫЙ, -ая, -ое сардакли, ёғли, серёғ; **~ бульо́н** серёғ бульон, сардакли шўрва.

НАВАРИ́ТЬ *сов.* (*несов.* **нава́ривать**) 1 *что* и *чего* бир миқдор пиширмоқ, пишириб қўймоқ, тайёрламоқ; **~ на́ зиму варе́нья** қишга мураббо пиширмоқ; 2 *тех.* бир миқдор эритмоқ, эритиб олмоқ, тайёрламоқ; **~ то́нну ста́ли** бир тонна пўлат эритмоқ; 3 пайванд (сварка) қилиб ёпиштирмоқ, уламоқ, узайтирмоқ, пайвандламоқ; **~ ле́звие топора́** болтага тиғ пайвандламоқ.

НАВА́РКА *ж* 1 *по гл.* **нава́рить** 3; **~ зу́ба** тиш пайвандлаш; 2 пайванд (сварка) қилинган қисм (улоқ жой).

НАВА́РНО/Й, -а́я, -о́е *тех.* пайвандланган, сваркаланган, пайвандлаб уланган; **~е ле́звие серпа́** ўроқнинг пайвандланган тиғи.

НАВА́РНЫЙ, -ая, -ое; -рен, -рна *разг. то же, что* **нава́ристый.**

НАВА́СТРИВАТЬ *несов. см.* **навостри́ть.**

НАВА́СТРИВАТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **навостри́ться;** 2 *страд. от* **нава́стривать.**

НАВА́ХА *ж* наваха (испанча буклама пичоқ).

НАВАЩИВАТЬ *несов. см.* **навощи́ть.**

НАВЕВА́ТЬ *несов. см.* **наве́ять** 1, 2.

НАВЕ́ДАТЬСЯ *сов.* (*несов.* **наве́дываться**) йўқламоқ, хабар олгани кирмоқ, йўқлаб бормоқ (келмоқ), ҳол-аҳвол сўрагани кириб чиқмоқ; **~ к дру́гу** дўстидан хабар олгани кирмоқ (бормоқ); **наве́дайтесь че́рез неде́льку** бир ҳафтадан кейин хабар олинг (кириб ўтинг).

НАВЕ́ДЫВАТЬСЯ *несов. см.* **наве́даться.**

НАВЕЗТИ́, -зу́, -зёшь, -вёз, -везла́ *сов.* (*несов.* **навози́ть** I) 1 *что* и *чего* бир миқдор олиб бормоқ (келмоқ), келтирмоқ, ташиб қўймоқ; **~ мно́го пода́рков** кўп совға келтирмоқ; 2 *разг.* олиб бораётиб (келаётиб) уриб олмоқ (юбормоқ); **~ на столо́** столбага уриб олмоқ (юбормоқ).

НАВЕ́ИВАТЬ *несов. см.* **наве́ять** 3.

НАВЕ́К и **НАВЕ́КИ** *нареч.* умрбод, мангу, абадий равишда; то абад; **~ вме́сте** абадий бирга, то абад бирга; **расста́ться ~** бир умрга ажралишмоқ, юз кўрмас бўлиб кетмоқ.

НАВЕРБОВА́ТЬ, -бу́ю, -бу́ешь *сов.* (*несов.* **навербо́вывать**) 1 *кого-что* и *кого-чего* бир миқдор жалб қилмоқ, тортмоқ, ёлламоқ, олмоқ; **~ рабо́чих на стро́йку** қурилишга ишчилар ёлламоқ; 2 *что* одам олиб тўлдирмоқ.

НАВЕРБО́ВЫВАТЬ *несов. см.* **навербова́ть.**

НАВЕ́РНО 1 *нареч.* шубҳасиз, албатта; турган гап; **я э́то зна́ю ~** мен буни биламан албатта; мен буни билсам керак; 2 *вводн. сл. то же, что* **наве́рное.**

НАВЕ́РНОЕ *вводн. сл.* балки, эҳтимол, бўлса керак, афтидан, чоғимда, оббаҳолам; **он, ~, опозда́л на по́езд** у поезддан кеч қолган бўлса керак.

НАВЕРНУ́ТЬ *сов.* (*несов.* **навёртывать**) *что* 1 ўрамоқ, ўраб қўймоқ; **~ бума́гу на бараба́н** қоғозни барабанга ўрамоқ; 2 бураб қўймоқ, бураб киргизмоқ; **~ га́йку** гайкани бураб қўймоқ; 3 *прост.* астойдил (жон-жаҳд билан, тапир-тупурига олиб) бирор иш қилмоқ, дўндирмоқ, қойиллатиб ташламоқ.

НАВЕ́РНУТЬСЯ, -нётся *сов.* (*несов.* **навёртываться**) 1 ўралмоқ, чулғанмоқ, ўралиб олмоқ (қолмоқ); 2 буралмоқ, буралиб кирмоқ; **га́йка ~лась на болт** гайка болтга буралиб кирди (тушди); 3 кўринмоқ, келмоқ, пайдо бўлмоқ; **на глаза́ ~лись слёзы** кўзларда ёш гилтиллади, кўзларга ёш келди.

НАВЕРНЯКА́ *нареч. разг.* 1 албатта, шубҳасиз, муқаррар; **ве́чером ~ придёт** кечқурун албатта келади; 2 бехато, янглишмай, хатога йўл қўймоқ, аниқ; **де́йствовать ~** янглишмай ҳаракат қилмоқ, **бить врага́** ~ душманни бехато урмоқ.

НАВЕРСТА́ТЬ I *сов.* (*несов.* навёрстывать I) *что* ҳиссасини чиқармоқ, ўрнини тўлдирмоқ, қопламоқ; **~ поте́рянное вре́мя** ўтган (бой берилган) вақтнинг ўрнини қопламоқ.

НАВЕРСТА́ТЬ II *сов.* (*несов.* **навёрстывать** II) *что* и *чего полигр.* бир миқдор саҳифалаб (вёрстка қилиб) қўймоқ; **~ весь набо́р** бутун наборни (наборнинг ҳаммасини) вёрстка қилиб қўймоқ.

НАВЕРСТЫВА́ТЬ I *несов. см.* **наверста́ть** I.

НАВЕРСТЫВА́ТЬ II *несов. см.* **наверста́ть** II.

НАВЕРТЕ́ТЬ, -ерчу́, -е́ртишь *сов.* 1 (*несов.* **навёртывать**) *что* ўрамоқ, чулғамоқ; ўраб қўймоқ; **~ коне́ц верёвки на́ руку** арқоннинг учини қўлга ўрамоқ; 2 (*несов.* **наве́рчивать**) *что* и *чего* бураб (бурама қилиб) бир миқдор ясамоқ, тешмоқ; **~ папиро́с** бир миқдор (бир нечта) папирос ўрамоқ; **~ отве́рстий** пармалаб тешиклар тешмоқ, ўймоқ.

НАВЕ́РТЫВАТЬ *несов. см.* **наверну́ть** и **наверте́ть** 1.

НАВЕ́РТЫВАТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **наверну́ться;** 2 *страд. от* **навёртывать.**

НАВЕРХ *нареч.* 1 юқорига, тепага, баландга; **положи́ть кни́ги ~** китобларни юқорига қўймоқ; **подня́ться ~** юқорига кўтарилмоқ; 2 юзига, бетига; **жир всплыл ~** ёғ юзига чиқди; 3 юқорига, осмонга; **посмотре́ть ~** юқорига (осмонга) қарамоқ.

НАВЕРХУ́ *нареч.* 1 юқорида, тепада, баландда, учида, устида; **оре́хов ещё мно́го ~** юқорида ҳали ёнғоқ кўп; 2 юқорида, юқориги қаватда; **жить ~** юқорида яшамоқ; 3 *перен. разг.* юқори ташкилотларда, юқори инстанцияларда; юқорида; 4 *разг.* баландда, осмонда; **Наверху́ журавли́ный крик: пти́цы улета́ют на юг** (М. Пришвин) Осмонда турналар овози: қушлар жануб томон учиб кетмоқда.

НАВЕРЧИВАТЬ *несов. см.* **наверте́ть** 2.

НАВЕ́С *м* 1 бостирма, айвон, шийпон; соябон; **сиде́ть под ~ом** бостирма остида ўтирмоқ; 2 осилиб (энгашиб) турган нарса; **~ скалы́** қоянинг осилиб (илиниб) турган қисми; **виногра́дные ло́зы образова́ли зелёный ~** ток новдалари кўм-кўк соябон ҳосил қилган.

НАВЕСЕЛЕ́ *нареч. разг.* ширакайф, сархуш, кайф билан, кайф аралаш; кайфи борида; **быть ~** ширакайф бўлмоқ; **~ он разгово́рчив** кайфи борида у кўп гапиради.

НАВЕ́СИТЬ, -е́шу, -е́сишь *сов.* (*несов.* **наве́шивать**) 1 *что* ўрнатмоқ; қурмоқ; **~ дверь** эшик ўрнатмоқ; 2 *что* и *чего* илмоқ, осмоқ; илиб (осиб) қўймоқ; тортмоқ; тақмоқ; **~ карти́н** расмларни осмоқ; ✦ **~ мяч на воро́та** тўпни дарвоза олдига тепиб бермоқ.

НАВЕСК/А *ж, р. мн.* **-сок** 1 *по гл.* **наве́сить; ~а прово́дов** сим тортиш (ўтказиш); 2 ошиқ-мошиқ, илгак; **~и для двере́й** эшик ошиқ-мошиқлари.

НАВЕСН/О́Й I, -а́я, -о́е осма, илма; ошиқ-мошиқли; **~о́й культива́тор** осма культиватор; **~а́я дверь** ошиқ-мошиқли эшик; **~ые замки́** осма қулфлар.

НАВЕСНО́Й II, -а́я, -о́е *то же, что* **наве́сный.**

НАВЕСН/ЫЙ, -ая, -ое 1 айвонга (бостирмага) оид; бостирма...; **~ая кро́вля** бостирма томи; 2 *воен.* тикка отилиб, юқоридан ёғдириладиган; **~ый ого́нь** тикка отилиб юқоридан ёғдириладиган ўқ; **~ый полёт снаря́да** снарядниг тикка учиб тушиши.

НАВЕСТИ́, -еду́, -едёшь *сов.* (*несов.* **наводи́ть**) 1 *кого-что на что* йўл кўрсатмоқ, йўлга солиб юбормоқ, бошлаб бормоқ; **~ на след** изига солиб юбормоқ; 2 *перен. кого-что на что* эсга (хаёлга, дилга) солмоқ, туғдирмоқ; олиб келмоқ; **~ на подозре́ние** шубҳа туғдирмоқ; **~ на размышле́ния** ўйлатиб қўймоқ; ўйлашга мажбур қилмоқ; фикрга солмоқ; **~на мысль** фикр туғдирмоқ; 3 *перен.* **у́жас, страх, тоска́** каби сўзлар билан келиб, солмоқ, туғдирмоқ каби маъноларни билдиради; **~ у́жас** *на кого-л.* бировни ваҳимага солмоқ; **~ ску́ку** *на кого-л.* зериктирмоқ, хуноб қилмоқ; 4 *что на кого-что, в кого-что* тўғриламоқ, ўқталмоқ, мўлжалга олмоқ; **~ проже́ктор на самолёт** прожекторни самолётга тўғриламоқ; **~ору́дие на цель** тўпни мўлжалга тўғриламоқ; 5 *что* қурмоқ, ўрнатмоқ, солмоқ (кўприк ҳақида); **~ мост** кўприк солмоқ (қилмоқ); 6 қўймоқ, суртмоқ; бўёқ (ранг, тушь) юргизмоқ; **~ лак** лок бермоқ, лок суртмоқ; **~ бро́ви** қошга сурма ва ҳ. к. қўймоқ; 7 *перен. разг.* баъзи отлар билан келиб шу отлардан англашилган сифатларнинг берилишини ифодалайди; **~ лоск (гля́нец)** сайқал (жило) бермоқ; ялтиратмоқ; **~ красоту́** пардоз бермоқ; безамоқ; **~ поря́док** тартиб ўрнатмоқ; ✦ **~ кри́тику** *на кого-что* **танқид қилмоқ, танқид қилиб ташламоқ; ~ спра́в-**

www.ziyouz.com kutubxonasi

ку (спра́вки) суриштирмоқ, суриштириб маълумот тўпламоқ; ~ **тень (на плете́нь)** шубҳа (гумон) туғдирмоқ; ~ **на ум (или ра́зум)** ақлга киргизмоқ, эс-ҳушли қилиб қўймоқ.

НАВЕСТИ́ТЬ, -ещу́, -ести́шь *сов.* (*несов.* **навеща́ть**) *кого-что* кўргани (ҳол-аҳвол сўрагани) бормоқ (ёки келмоқ), йўқламоқ, йўқлаб бормоқ (келмоқ); ~ **больно́го** беморни йўқламоқ, беморнинг олдига ҳол-аҳвол сўраб бормоқ.

НАВЕ́Т *м уст.* туҳмат, бўҳтон.

НАВЕ́ТРЕННЫЙ, -ая, -ое шамол томонга қараган, шамолга рўпара; ~**ая сторона́** шамолга рўпара томон; ~**ый борт корабля́** кеманинг шамол томонга қараган ёни.

НАВЕ́ТЧИК *м уст.* туҳматчи, бўҳтончи.

НАВЕ́ТЧИЦА *ж уст. см.* **наве́тчик.**

НАВЕ́ЧНО *нареч.* умрбод, абадий; абадий (доимий) равишда; **земля́ за колхо́зами закреплена́** ~ колхозларга ерлар абадий бириктириб қўйилган.

НАВЕ́ШАТЬ I *сов.* (*несов.* **наве́шивать** I) *что* и *чего* бир миқдор осмоқ, илмоқ; осиб (илиб) ташламоқ; ~ **на ёлку украше́ний** арчага безакларни (ўйинчоқларни) осиб ташламоқ.

НАВЕ́ШАТЬ II *сов.* (*несов.* **наве́шивать** II) *что* и *чего* бир миқдор тортмоқ, тортиб қўймоқ (тарозида); ~ **не́сколько кульков конфе́т** бир неча пакет конфет тортиб қўймоқ.

НАВЕ́ШИВАТЬ I *несов. см.* **наве́сить** и **наве́шать** I.

НАВЕ́ШИВАТЬ II *несов. см.* **наве́шать** II.

НАВЕЩА́ТЬ *несов. см.* **навести́ть.**

НАВЕ́ЯТЬ *сов.* 1 (*несов.* **навева́ть**) *что* учириб келмоқ, келтирмоқ, олиб келмоқ (шамол ҳақида); **ве́тер наве́ял прохла́ду** шамол совуқ олиб келди; шамол билан совуқ тушди; 2 *перен.* (*несов.* **навева́ть**) *что на кого-что* бирор куйга (кайфиятга) солмоқ, кўнгилга (эсга) туширмоқ, дилга солмоқ; келтирмоқ; ~ **грусть** кўнглини ғаш қилмоқ; ~ **сон** уйқу келтирмоқ; 3 (*несов.* **наве́ивать**) *что* и *чего* бир миқдор совурмоқ, елпиб қўймоқ (олмоқ, тайёрламоқ); ~ **мно́го пшени́цы** кўп буғдой совурмоқ.

НА́ВЗНИЧЬ *нареч.* чалқанча (тушиб), чалқанчасига; **упа́сть** ~ чалқанчасига йиқилмоқ.

НАВЗРЫД *нареч.*: **пла́кать** ~ ҳўнграб йиғламоқ.

НАВИВА́ТЬ *несов. см.* **нави́ть.**

НАВИВА́ТЬСЯ, -а́ется *несов.* 1 *см.* **нави́ться;** 2 *страд. от* **навива́ть.**

НАВИ́ВКА *ж* 1 *по гл.* **нави́ть — навива́ть** 1—3, 5; ~ **кана́та** арқон ўриш (эшиш); 2 ўралган нарса, ўрам; **шёлковая** ~ шойи ўрами, шойидан ўралган нарса.

НАВИГАТО́Р *м* навигатор, навигация мутахассиси.

НАВИГАЦИО́ННЫЙ, -ая, -ое навигацияга оид; навигация...; ~ **пери́од** навигация мавсуми, кема қатнайдиган мавсум; ~ **а́тлас** навигация атласи.

НАВИГА́ЦИ/Я *ж* 1 кемалар юриши, қатнови; 2 навигация (кемалар юриши мумкин бўлган вақт, мавсум); **откры́тие ~и** кема қатновининг бошланиши; 3 навигация (кема юргизиш санъати ва фани); **шко́ла ~и** навигация мактаби; **уче́бник по ~и** навигация дарслиги; ✦ **возду́шная ~я** *то же, что* **аэронавига́ция.**

НАВИДА́ТЬСЯ *сов. чего разг.* кўпни кўрмоқ, кўп нарсани бошдан кечирмоқ.

НАВИ́ДЕТЬСЯ, -и́жусь, -и́дишься *сов. чего разг. то же, что* **навида́ться.**

НАВИНТИ́ТЬ, -инчу́, -инти́шь *сов.* (*несов.* **нави́нчивать**) *что* бурамоқ, бураб киргизмоқ, бураб қўймоқ; ~ **га́йку на болт** гайкани болтга бураб қўймоқ.

НАВИНТИ/ТЬСЯ, -и́тся *сов.* (*несов.* **нави́нчиваться**) буралиб кирмоқ, маҳкамланмоқ, буралмоқ; **га́йка ~лась легко́** гайка осонлик билан буралиб маҳкамланди.

НАВИ́НЧИВАТЬ *несов. см.* **навинти́ть.**

НАВИ́НЧИВАТЬСЯ, -ается *несов.* 1 *см.* **навинти́ться;** 2 *страд. от* **нави́нчивать.**

НАВИРА́ТЬ *несов.* и *многокр. см.* **навра́ть** 1, 2.

НА́ВИС *м спец.* отнинг думи ва ёли.

НАВИСА́ТЬ, -а́ет *несов. см.* **нави́снуть.**

НАВИ́С/НУТЬ, -нет; -и́с, -и́сла *сов.* (*несов.* **наваса́ть**) 1 *на что* осилмоқ, солинмоқ; осилиб (солиниб) тушмоқ; тушиб турмоқ; **во́лосы ~ли на лоб** сочлари пешанасига осилиб тушган эди; 2 осилиб қолмоқ, инмоқ; **снежи́нки ~ли на ресни́цах** қор зарралари киприкларига инган эди; 3 *над кем-чем* устини қоплаб (ўраб, буркаб) олмоқ; устига энгашиб тушмоқ; **грозовы́е ту́чи ~ли над по́лем** даланинг устини қора булутлар буркаб олди; **скала́ ~ла над реко́й** қоя дарё томонга энгашиб тушган (турипти); 4 *перен. над кем-чем* хавф солиб турмоқ, таҳдид қилмоқ; **над ним ~ла опа́сность** у хавф остида қолди (турипти); у таҳликага тушиб қолди.

НАВИ́СШИ/Й, -ая, -ее 1 *прич. от* **нави́снуть;** 2 *в знач. прил.* осилиб (солиниб) тушган, пастга қайрилган, энгашган; ~**е бро́ви** осилиб тушган қошлар.

НАВИ́ТЬ, -вью́, -вьёшь *сов.* (*несов.* **навива́ть**) *что* и *чего* 1 ўрамоқ, ўраб қўймоқ; ~ **ни́ток на кату́шку** ипни ғалтакка ўрамоқ; 2 бир миқдор эшмоқ, пишитмоқ, чийратмоқ; ~ **сто ме́тров кана́та** юз метр арқон эшмоқ; 3 ўрмоқ, жингалак қилмоқ (сочни); ~ **кудре́й** сочни жингалак қилмоқ; 4 *прост.* учириб келмоқ (келтирмоқ), учириб келиб тўпламоқ; **пурга́ навила́ сугро́б** бўрон қорни учириб уйиб (тўплаб) қўйди; 5 паншаха билан ортмоқ, юкламоқ; ~ **се́на на воз** паншаха билан аравага пичан ортмоқ.

НАВИ́/ТЬСЯ, -вьётся *сов.* (*несов.* **навива́ться**) ўралмоқ (ип, арқон ва ш. к. ҳақида); **ни́тки неро́вно ~лись на кату́шку** ип ғалтакка нотекис ўралди (ўралипти).

НАВЛЕКА́ТЬ *несов. см.* **навле́чь.**

НАВЛЕ́ЧЬ *сов.* (*несов.* **навлека́ть**) *что на кого-что* туғдирмоқ, орттирмоқ; дучор (гирифтор) қилмоқ; солмоқ, қўймоқ; ~ **на себя́ подозре́ние** ўзига нисбатан шубҳа туғдирмоқ; ~ **беду́** кулфат орттирмоқ, балога дучор қилмоқ.

НАВОДИ́ТЬ *несов. см.* **навести́.**

НАВО́ДКА *ж* 1 *по гл.* **навести́—наводи́ть** 5, 6; ~ **моста́** кўприк қуриш; 2 *воен.* наводка (мўлжалга олиш, тўғрилаш).

НАВОДНЕ́НИЕ *с* 1 тошқин, сув босиш; **борьба́ с ~ем** тошқинга қарши кураш; **после́дствия ~я** тошқин оқибатлари; 2 *по гл.* **наводни́ть** 2; ~ **ры́нка това́рами** бозорни молга тўлдириб юбориш.

НАВОДНИ/ТЬ *сов.* (*несов.* **наводня́ть**) 1 *что уст.* тошмоқ, тошиб, сув босиб кетмоқ; **река́ ~ла низи́ны** дарё тошиб пастликларни сув босиб кетди; 2 *перен. что кем-чем* тўлдириб (тошириб, бостириб) бормоқ, тўкиб (тиқиштириб) ташламоқ; босиб кетмоқ; **тури́сты ~ли го́род** шаҳарни туристлар босиб кетди; шаҳар туристларга тўлиб кетди.

НАВОДНИ/ТЬСЯ, -и́тся *сов.* (*несов.* **наводня́ться**) 1 *уст.* сув остида (тошқинда) қолмоқ, сув босиб кетмоқ; **река́ вы́шла из берего́в, и доли́на ~лась** дарё суви қирғоқлардан ошиб, водийни сув босиб кетди; 2 *перен. кем-чем* тўлиб-тошиб кетмоқ, тиқилиб кетмоқ; **у́лица ~лась демонстра́нтами** кўчалар намойишчиларга тўлиб-тошиб кетди.

НАВО́ДНОЙ: ~ **мост** вақтинча қурилган кўприк.

НАВОДНЯ́ТЬ *несов. см.* **наводни́ть.**

НАВОДНЯ́ТЬСЯ, -я́ется *несов.* 1 *см.* **наводни́ться;** 2 *страд. от* **наводня́ть.**

НАВО́ДЧИК *м* 1 наводкачи (нишонга, мўлжалга олувчи аскар); 2 қурувчи, солувчи; ~ **мосто́в** кўприк қурувчи; 3 сирчи, ялтиратувчи; ~ **зерка́л** ойналарга сир берувчи, сирчи; 4 ўгрилар айғоқчиси.

НАВО́ДЧИЦА *ж см.* **наво́дчик** 2—4.

НАВОДЯЩ/ИЙ, -ая, -ее 1 *прич. от* **наводи́ть; статья́, ~ая на серьёзные размышле́ния** жиддий ўйлаб кўришга ундайдиган мақола; 2 йўлловчи, эсга (хаёлга) солувчи, эслатувчи; ёрдамчи; ~**ие вопро́сы** ёрдамчи (эсга солувчи) саволлар.

НАВОЕВА́ТЬ, -ою́, -ою́ешь *сов.* 1 *что* и *чего прост. уст.* урушиб (жанг қилиб) бирор миқдор ер (бойлик ва ҳ. к.) қўлга киритмоқ; орттирмоқ; 2 *прост.* бирмунча вақт урушмоқ, жанг қилмоқ; **Кулако́м мно́го не навою́ешь** (Н. Островский) Мушт билан уруш қилиб узоққа бориб бўлмайди.

НАВОЕВА́ТЬСЯ, -ою́юсь, -ою́ешься *сов. разг.* роса уришмоқ, хўп уриш қилмоқ, уришавериб чарчамоқ.

НАВО́З *м* гўнг; **ко́нский** ~ от гўнги.

НАВОЗИ́ТЬ, -ожу́, -о́зишь *несов. что* гўнгламоқ, гўнг солмоқ, гўнг солиб ўғитламоқ; ~ **поля́** ерларни гўнг солиб ўғитламоқ.

НАВОЗИ́ТЬ I, -ожу́, -о́зишь *несов. см.* **навезти́.**

www.ziyouz.com kutubxonasi

НАВОЗИ́ТЬ II, -ожу́, -о́зишь *сов. что* и *кого-чего* бир миқдор ташимоқ, ташиб келтирмоқ, ташиб қўймоқ; ~ **дров на́ зиму** қишга ўтин ташиб қўймоқ.

НАВО́ЗИ/ТЬСЯ, -ожу́сь, -о́зишься *сов. разг.* кўп уринмоқ (ёки ўйнамоқ, шўхлик қилмоқ); кўп уриниб (ёки шўхлик қилиб, ўйнаб) чарчамоқ; ~**лся я за́ день** кун бўйи роса уриндим (уриниб чарчадим).

НАВО́ЗНИК *м* 1 гўнгқўнғиз, калхамач; 2 *обл.* гўнгхона, гўнгўра, гўнгяшик.

НАВО́ЗН/ЫЙ, -ая, -ое 1 гўнгга оид; гўнг...; ~**ый за́пах** гўнг ҳиди; ~**ая ку́ча** гўнг уюми; ~**ая пово́зка** гўнг ташийдиган арава; 2 гўнгланган, гўнг солинган; ~**ое по́ле** гўнг солинган дала.

НАВОИВЕ́Д *м* навоийшунос.

НАВОИВЕ́ДЕНИЕ *с* навоийшунослик.

НАВО́/Й *м спец.* 1 *по гл.* **нави́ть** 1, 3; 2 ўралган нарса, ўрам; **струна́ с ме́дным** ~**ем** мис сим ўралган тор; 3 **навой**, ғалтак (тўқув станогида); **тка́цкий** ~**й** тўқув станоги ғалтаги.

НАВОЛА́КИВАТЬ *несов. см.* **наволо́чь.**

НАВОЛО́ЧКА *ж, р. мн.* **-чек** ёстиқ жилди, ёстиқжилд.

НАВОЛО́ЧНЫ/Й, -ая, -ое ёстиқжилдга оид; ёстиқжилдбоп; ёстиқжилд...

НАВОЛО́ЧЬ, -оку́, -очёшь; -о́к, -окла́ *сов. (несов.* **навола́кивать**) *прост.* 1 *что* и *чего* биттадан олиб келмоқ; судраб (тортиб) олиб келмоқ, келтирмоқ; ташимоқ; ~ **в сара́й се́на** пичанни саройга тортиб киримоқ, судратиб олиб кириб қўймоқ; ~ **гря́зи** лой судраб (илаштириб) келмоқ; 2 *безл. чего* и *без доп.* қопламоқ, босмоқ, буркаб олмоқ; тушмоқ; **наволокло́ тума́ну — ничего́ не вида́ть** шундай туман тушдики, ҳеч нарса кўринмайди.

НАВОНЯ́ТЬ *сов. чем* и *без доп. прост.* сассиқ ҳид таратмоқ, саситмоқ, саситиб юбормоқ; ~ **керосино́м** керосин ҳиди бостирмоқ, керосин ҳиди қилмоқ.

НАВОРА́ЖИВАТЬ *несов. см.* **наворожи́ть.**

НАВОРА́ЧИВАТЬ *несов. что* 1 *см.* **навороти́ть;** 2 *разг.* ўрамоқ, бурамоқ; 3 *прост.* иштаҳа билан емоқ, урмоқ, пақ-қос туширмоқ; ~ **плов** паловни урмоқ, паловни пақ-қос туширмоқ.

НАВОРА́ЧИВАТЬСЯ, -ается *несов. разг.* 1 ўралмоқ; буралмоқ; 2 *страд. от* **наворо́чивать** 1, 2.

НАВОРОВА́ТЬ, -ру́ю, -ру́ешь *сов. (несов.* **наворо́вывать**) *что* и *чего* кўп (роса) ўғирламоқ; ўғирлаб-ўғирлаб кўпайтирмоқ, йиғмоқ, орттирмоқ.

НАВОРО́ВЫВАТЬ *несов. см.* **наворова́ть.**

НАВОРОЖИ́ТЬ *сов. (несов.* **наворо́живать**) *что* и *чего* фол очиб айтиб бермоқ, фол очиб башорат қилмоқ.

НАВОРОТИ́ТЬ, -очу́, -о́тишь *сов. (несов.* **наворо́чивать**) *что* и *чего разг.* 1 пала-партиш (айқаш-уйқаш) уйиб ташламоқ; ~ **ку́чу камне́й** тошларни пала-партиш уйиб ташламоқ; 2 *перен.* тўлдириб (оширib) юбормоқ, қалаштириб ташламоқ; **в о́черке наворо́чено мно́го ли́шнего** очеркда кераксиз нарсалар кўпайтириб юборилган.

НАВОРОШИ́ТЬ *сов. что* и *чего разг.* ағдариб қўймоқ, ағдариб (отиб, ирғитиб) сочиб (ёйиб) ташламоқ; ~ **се́на** пичанни ағдариб ёйиб қўймоқ.

НАВОРЧА́ТЬ *сов. на кого-что* қойиниб жаврамоқ (вайсамоқ), уришиб бермоқ; ~ **на ребёнка** болани уришиб бермоқ.

НАВОРЧА́ТЬСЯ *сов. разг.* қойиниб роса жаврамоқ, вайсамоқ.

НАВОСТРИ́ТЬ *сов. (несов.* **нава́стривать**) *что прост.* қайраб (чархлаб) ўткирламоқ, ўткир қилмоқ; қайрамоқ; чархламоқ; ✦ ~ **лы́жи** жуфтакни ростламоқ, жўнаб қолмоқ; ~ **у́хо (у́ши)** қулоқни диккайтирмоқ (динг қилмоқ), диққат билан қулоқ солмоқ.

НАВОСТРИ́ТЬСЯ *сов. (несов.* **нава́стриваться**) *прост.* уста (моҳир) бўлиб қолмоқ, ҳавосини олмоқ, малака ҳосил қилмоқ.

НАВОЩИ́ТЬ *сов. (несов.* **нава́щивать**) *что* мумламоқ, мум суртмоқ, мум суртиб ялтиратмоқ; ~ **парке́т** паркетни мум суртиб ялтиратмоқ.

НАВРА́ТЬ, -вру́, -врёшь *сов. разг.* 1 *(несов.* и *многокр.* **навира́ть**) *что* и *чего* ёлғон гапирмоқ, ёлғон айтмоқ; ёлғонламоқ; ~ **с три ко́роба** бир қоп ёлғон гап гапирмоқ; 2 *(несов.* и *многокр.* **навира́ть**) *в чём* **хато қилмоқ,** хатога йўл қўймоқ, янглишмоқ, адашмоқ; ~ **в вычисле́ниях** ҳисобда хатога йўл қўймоқ, ҳисобда янглишмоқ; 3 *на кого* туҳмат қилмоқ, туҳмат гаплар айтмоқ.

НАВРЕ́ДИТЬ, -ежу́, -еди́шь *сов. кому-чему* зиён-заҳмат етказмоқ, зиён (зарар) келтирмоқ, шикаст бермоқ; ~ **де́лу** ишга зарар келтирмоқ.

НАВРЯ́Д ЛИ и **НАВРЯ́Д** *уст. частица разг.* даргумон, гумон; ~ **он придёт** унинг келиши гумон.

НАВСЕГДА́ *нареч.* умрбод, абадий, батамом; **расста́ться** ~ умрбод ажралмоқ, юз кўрмас бўлиб кетмоқ.

НАВСКИДКУ́ *нареч. охот. воен.:* **стреля́ть** ~ милтиқни (тўппончани) кўтара солиб дарҳол (нишонга олиб) отмоқ.

НАВСТРЕ́ЧУ *нареч.* и *предл. с дат.* қаршисига, рўпарасига, қарама-қарши; пешвоз чиқиб; **вы́йти** ~ пешвоз чиқмоқ; **вы́йти ~ гостя́м** меҳмонларга пешвоз чиқмоқ; ✦ **идти́** ~ 1) *чему* қараб бормоқ, тезлаштирмоқ, яқинлаштирмоқ; **идти́ ~ со́бственной ги́бели** ўз ҳалокатини тезлаштирмоқ, тап тортмай ҳалокатга қараб бормоқ; 2) *кому-чему* ёрдам қилмоқ, кўмаклашмоқ, қўллаб-қувватламоқ; маъқулламоқ; **пойти́ ~ жела́нию тури́стов** туристларнинг истагини қўллаб-қувватламоқ, туристлар истагини ҳисобга олмоқ.

НАВЫВОРО́Т *нареч. разг.* 1 тескари, тескарисини; **наде́ть тулу́п** ~ пўстинни тескари киймоқ; 2 *перен.* чаппасига, тескарисига, аксинча; **всё идёт** ~ ҳаммаси (ҳамма иш) аксинча бўлиб чиқяпти (чаппасига кетяпти).

НАВЫ́К *м* малака, кўникма, маҳорат; **приобрести́** ~ **в рабо́те** ишда малака ҳосил қилмоқ.

НАВЫКА́Т и **НАВЫКА́Т/Е: глаза́** ~ (~е) кўзи чақчайган; олакўз, бақакўз, уккикўз.

НАВЫЛЕ́Т *нареч.* паррон, тешиб ўтиб; **пу́ля прошла́** ~ ўқ тешиб ўтди (ўтиб кетди); **он был ра́нен в плечо́** ~ у елкасидан ўқ тешиб ўтиб яраланган эди.

НАВЫНО́С *нареч. разг.* олиб кетиш шарти билан, олиб кетишга (ичимликлар ҳақида); **продава́ть кефи́р** ~ кефирни олиб кетишга сотмоқ.

НАВЫПУСК *нареч.* қистирмасдан, чиқариб, туширib; **ходи́ть в руба́шке** ~ кўйлагини тушириб (шимга қистирмай) юрмоқ.

НАВЫРЕЗ *нареч.* чақмоқлаб, кесиб кўрсатиб; **продава́ть арбу́з** ~ тарвузни чақмоқлаб сотмоқ.

НАВЫТЯ́ЖКУ *нареч.:* **стоя́ть** ~ тик (қаддини ростлаб) турмоқ.

НАВЬ *ж* арвоҳ.

НАВЬЮ́ЧИВАТЬ *несов. см.* **навью́чить.**

НАВЬЮ́ЧИВАТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **навью́читься;** 2 *страд. от* **навью́чивать.**

НАВЬЮ́ЧИТЬ *сов. (несов.* **навью́чивать**) *кого чем* и *что на кого* 1 юкламоқ, ортмоқ; ~ **верблю́да това́ром** туяга мол ортмоқ; ~ **мешки́ на осла́** қопларни эшакка ортмоқ; 2 *перен.* кўп (оғир) юк кўтартирмоқ, анча-мунча юк орқалатмоқ, юкламоқ; ортмоқлатмоқ; ~ **носи́льщика чемода́нами** чамадонларни ҳаммолга ортмоқлатмоқ.

НАВЬЮ́ЧИТЬСЯ *сов. (несов.* **навью́чиваться**) *чем прост.* анча-мунча юк кўтариб (орқалаб) олмоқ; ортмоқламоқ; ~ **поку́пками** харид қилинган нарсаларни ортмоқлаб олмоқ.

НАВЯЗА́ТЬ I, -яжу́, -я́жешь *сов. (несов.* **навя́зывать**) 1 *что на что* боғламоқ, тақмоқ; боғлаб (тақиб) қўймоқ; ~ **ле́ску на у́дочку** қармоққа ип боғламоқ; 2 *что* и *чего* бир миқдор тўқимоқ, тўқиб олмоқ, тўқиб қўймоқ; ~ **не́сколько пар перча́ток** бир неча жуфт қўлқоп тўқимоқ; 3 *перен. кого-что кому* мажбуран қабул қилдирмоқ, бўйнига ортмоқ, юкламоқ; зўрлаб бермоқ; ўтказмоқ; ~ **бой проти́внику** душманни жанг қилишга мажбур этмоқ; ~ **свой взгля́ды** ўз қарашларини зўрлаб ўтказмоқ.

НАВЯЗА́ТЬ II, -а́ет *несов. см.* **навя́знуть.**

НАВЯЗА́ТЬСЯ, -яжу́сь, -я́жешься *сов. (несов.* **навя́зываться**) *разг.* элакишмоқ, пашшахўрда (елим) бўлмоқ, хиралик (шилқимлик) қилиб ёпишиб олмоқ, суркалмоқ; ~ **в го́сти** хиралик билан меҳмон бўлиб келмоқ (бормоқ); ~ **проводи́ть** *кого-л.* бировга кузатиб қўяман деб ёпишиб олмоқ; ✦ ~ **на го́лову** (или **ше́ю**) бўйнига осилмоқ, ташвиш (дардисар) бўлмоқ.

www.ziyouz.com kutubxonasi

НАВЯЗ/НУТЬ, -нет; -я́з, -я́зла *сов.* (*несов.* **навязáть** II) тиқилиб қолмоқ, кириб қолмоқ; орасига кириб тўпланмоқ; ✦ **в зубáх ~ло** жонга тегди, безор қилди.

НАВЯЗЧИВОСТЬ *ж* хиралик, елимлик, пашшахўрдалик, ёпишқоқлик, шилқимлик, суллоҳлик.

НАВЯЗЧИВ/ЫЙ, -ая, -ое 1 хира, хирахандон, пашшахўрда, елим, хирақасқон, ёпишқоқ, шилқим, суллоҳ; **~ый человéк** хира одам; 2 *перен.* мияга ўрнашиб қолган, хаёлдан кетмайдиган, миядан чиқмайдиган; **~ая мысль** мияга ўрнашиб қолган фикр.

НАВЯЗЫВАТЬ *несов. см.* **навязáть** I.

НАВЯЗЫВАТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **навязáться**; 2 *страд. от* **навя́зывать.**

НАВЯЛИВАТЬ *несов. см.* **навя́лить.**

НАВЯЛИТЬ *сов.* (*несов.* **навя́ливать**) *что* бир миқдор сурламоқ, қоқламоқ; қоқлаб (қуритиб) олмоқ (қўймоқ); **~ мнóго ры́бы** анча-мунча балиқ қоқлаб (қуритиб) олмоқ.

НАГАДАТЬ *сов.* (*несов.* **нагáдывать**) *кого-что* и *чего* фол очмоқ, фол кўрмоқ, фол очиб (кўриб) айтиб бермоқ; **~ жениха́** фол очиб ким куёв бўлишини айтиб бермоқ; **~ неприя́тностей** фол очиб кўнгилсиз воқеалар бўлади деб айтмоқ.

НАГАДИТЬ, -а́жу, -а́дишь *сов.* 1 булғатмоқ, булғатиб юбормоқ (ҳайвонлар, қушлар ҳақида); 2 ёмонлик қилмоқ, зарар (зиён, путур) етказмоқ.

НАГА́ДЫВАТЬ *несов. см.* **нагадáть.**

НАГА́ЕЧН/ЫЙ, -ая, -ое қамчинга оид; қамчин...; қамчи...; **~ый ремéнь** қамчи тасмаси; **~ая рукоя́тка** қамчи дастаси.

НАГА́ЙКА *ж, р. мн.* **-а́ек** ўрилган қамчи, қамчин; **казáчья ~** казаклар қамчини.

НАГА́Н *м* наган.

НАГА́Р *м* сўхта, қасмоқ; **снимáть ~ со свечи́** шамнинг сўхтасини олиб ташламоқ.

НАГА́РНЫ/Й, -ая, -ое сўхтага, қасмоққа оид; сўхта...; қасмоқ...; **~е щипцы́** сўхта оладиган қайчи, миқроз.

НАГЕ́ЛЬ *м* катта ёғоч (ёки металл) мих, михчўп.

НАГИБА́ТЬ *несов. см.* **нагну́ть.**

НАГИБА́ТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **нагну́ться**; 2 *страд. от* **нагиба́ть.**

НАГИШО́М *нареч. разг.* яланғоч, қип-яланғоч, ширяланғоч, яланғоч ҳолда.

НАГЛАДИТЬ, -а́жу, -а́дишь *сов.* (*несов.* **нагла́живать**) 1 *что* и *чего* бир миқдор нарса дазмолламоқ, дазмоллаб қўймоқ; **~ мнóго белья́** анча-мунча кирларни дазмолламоқ; 2 *что* яхшилаб дазмолламоқ, дазмоллаб текисламоқ, силиқламоқ; **~ брю́ки** шимни яхшилаб дазмолламоқ.

НАГЛА́ЖИВАТЬ *несов. см.* **нагла́дить.**

НАГЛАЗНИК *м* 1 кўзлик (кўзни чанг, кучли ёруғ ва ш. к. дан сақлаш учун тутиладиган тўсқич); 2 кўзпана, кўзлик (юганда ҳуркович от кўзини паналайдиган тўсқич).

НАГЛЕ́/ТЬ *несов.* сурбет бўлиб кетмоқ, тобора орсизлашмоқ, сурбетлашмоқ; **враг всё ~ет** душман борган сари сурбетлашмоқда.

НАГЛЕ́Ц *м, р.* **-а́** сурбет, безбет, уятсиз, беор, юзсиз, суллоҳ.

НАГЛЕЦ/А *ж разг.:* **с ~о́й** бир оз сурбет, юзсизроқ, андак безбет.

НАГЛОСТ/Ь *ж* 1 сурбетлик, безбетлик, беорлик, уятсизлик, юзсизлик, суллоҳлик; 2 уят (беҳаё) гап, иш, хатти-ҳаракат, беҳаёлик; **говори́ть ~и** уят гапларни айтмоқ (гапирмоқ).

НАГЛОТА́ТЬСЯ *сов. чего* кўп (сув, чанг ва ҳ. к.) ютмоқ, ичи (сув, чанг ва ҳ. к. га) тўлмоқ; **~ воды́** кўп сув ютмоқ, анча сув ютиб юбормоқ.

НАГЛУХО *нареч.* 1 зичлаб, зич қилиб, маҳкам, маҳкамлаб; **~ заколоти́ть о́кна доска́ми** дераза ларни тахта билан михлаб ташламоқ; **~ закры́ть люк** люкни зичлаб ёпмоқ; 2 бирорта ҳам тугмани (илгакни) қолдирмай, барча тугмаларни (илгакларни) қадаб; **~ застегну́ть шине́ль** шинелнинг ҳамма тугмаларини қадаб олмоқ (қўймоқ).

НАГЛ/ЫЙ, -ая, -ое сурбет, безбет, беор, беҳаё, уятсиз, юзсиз; **~ая вы́ходка** беҳаё хатти-ҳаракат; **~ый смех** сурбетларча кулги; **~ый человéк** безбет одам.

НАГЛЯД/ЕТЬСЯ, -яжу́сь, -яди́шься *сов.* 1 тўйгунча (тўйиб-тўйиб) қарамоқ, қараб тўймоқ; **он не ~и́тся на вну́чку** у набирасига қараб тўймайди; 2 кўп нарсани (ишларни) кўрмоқ; **~е́лся я на беспоря́дки** тартибсизликларни мен кўп кўрганман (кўряпман).

НАГЛЯДН/ЫЙ, -ая, -ое; -ден, -дна 1 яққол, аниқ, равшан; **~ый приме́р** яққол мисол; 2 кўргазмали, кўрсатмали, аёний; **~ые посо́бия** кўргазмали қуроллар; **~ое обуче́ние** кўргазмали қуроллар воситасида ўқитиш.

НАГЛЯНЦЕВА́ТЬ, -цу́ю, -цу́ешь *сов. что* и *чего* бир миқдор нарса ялтиратмоқ, ялтиратиб қўймоқ; жило бермоқ; **~ мнóго бумáги** кўп қоғоз ялтиратмоқ.

НАГНА́ИВАТЬ *несов. см.* **нагнои́ть.**

НАГНА́ИВАТЬСЯ, -ается *несов. см.* **нагнои́ться.**

НАГНА́ТЬ, -гоню́, -го́нишь *сов.* (*несов.* **нагоня́ть**) 1 *кого-что* қувиб етмоқ, етиб олмоқ; **~ беглеца́** қочоқни қувиб етмоқ; 2 *перен. кого разг.* етиб олмоқ, тенглашиб олмоқ; **~ в учёбе отли́чников** ўқишда аълочиларга етиб олмоқ; 3 *что* ўрнини тўлдирмоқ, етказиб олмоқ; **~ упу́щенное** қўлдан кетганнинг (бой берилганнинг) ўрнини тўлдирмоқ, бажарилмай қолган ишни бажариб етказмоқ; **то, что не успе́ли сде́лать вчера́, необходи́мо ~ сего́дня** кеча қилиб улгура олмаган ишни бугун бажариб қўйиш керак; 4 *прост. что* вақтдан ютмоқ, вақтни етказиб олмоқ; **шофёр нагна́л пять мину́т** шофёр вақтдан беш минут ютди; **по́езд нагна́л опозда́ние** поезд кеч қолинаётган вақтни етказиб олди; 5 *что* и *кого-чего* бир миқдор ҳайдаб келтирмоқ, олиб келиб бир ерга йиғмоқ; **ве́тер нагна́л ту́чи** шамол булутларни ҳайдаб келди; 6 *что* и *чего* қандайдир йўл билан бирдан оширмоқ, кўпайтирмоқ, кучайтирмоқ; **~ температу́ру** ҳароратни оширмоқ; 7 *перен. что* и *чего на кого-что разг.* бирор ҳолатга (кайфиятга) солмоқ, туширмоқ; **~ стра́ху** даҳшат солмоқ, қўрқитмоқ; **~ тоску́** зериктирмоқ; 8 *что на что спец.* қоқиб кийдирмоқ, қопламоқ; **~ о́бруч на бо́чку** бочкага гардиш қоқмоқ; 9 *что* и *чего* бир миқдор ҳайдамоқ, тортмоқ, олмоқ; **~ спи́рту** бир миқдор спирт тортмоқ; ✦ **~ це́ну** нархни ошириб юбормоқ.

НАГНЕСТИ́, -ету́, -етёшь *сов.* (*несов.* **нагнета́ть**) *что* дам бериб (ёки насос билан ҳайдаб) юбормоқ, тўлдирмоқ; оширмоқ; **~ во́здух** дам бериб ҳаво билан тўлдирмоқ; ✦ **~ давле́ние** *спец.* босимни оширмоқ.

НАГНЕТА́НИЕ *с по гл.* **нагнета́ть**; **~ напряжённости в междунаро́дных отноше́ниях** халқаро муносабатлардаги кескинликни ошириш.

НАГНЕТА́ТЕЛЬ *м* нагнетатель (ички ёниш двигателларида: цилиндрга келадиган ҳавони олдиндан сиқиб берувчи компрессор).

НАГНЕТА́ТЕЛЬНЫЙ, -ая, -ое дам берадиган, дамлайдиган, ҳайдайдиган; **~ насо́с** дам берадиган (ёки ҳайдайдиган) насос.

НАГНЕТА́ТЬ *несов. см.* **нагнести́.**

НАГНОЕ́НИЕ *с* 1 йиринглаш, йиринг (фасод) боғлаш; маддалаш; **предупреди́ть ~** йиринглашнинг олдини олиш; 2 йиринг олган жой.

НАГНОИ́ТЬ *сов.* (*несов.* **нагна́ивать**) *что* и *чего* бир миқдор чиритмоқ, иритмоқ, чиритиб (иритиб) юбормоқ (қўймоқ); **~ часть овоще́й** сабзавотнинг бир қисмини чиритиб юбормоқ.

НАГНОЙТ/ЬСЯ, -и́тся *сов.* (*несов.* **нагна́иваться**) йирингламоқ, маддаламоқ, мадда (газак) олмоқ, йиринг (фасод) боғламоқ; **ра́на ~лась** яра йиринглапти.

НАГНУ́ТЬ *сов.* (*несов.* **нагиба́ть**) 1 *что* эгмоқ, букмоқ, энгаштирмоқ, қайирмоқ; **~ го́лову** бошни энгаштирмоқ; **~ ве́тку я́блони** олманинг шохини қайирмоқ; 2 *что* и *чего спец.* эгиб (букиб) бир миқдор тайёрламоқ, эгиб (букиб) чиқмоқ; **~ кро́вельного желе́за** томга ёпиладиган тунукаларни эгиб чиқмоқ.

НАГНУ/ТЬСЯ *сов.* (*несов.* **нагиба́ться**) эгилмоқ, энгашмоқ; **~ться к столу́** столга эгилмоқ, энгашмоқ; **ве́тки и́вы ~лись** мажнунтол шохлари эгилиб (тушиб) турипти.

НАГОВА́РИВАТЬ *несов. см.* **наговори́ть.**

НАГОВО́Р *м* 1 бўҳтон, туҳмат, маломат; **~ зави́стников** ҳасадчиларнинг туҳмати; 2 авраш, афсун, қайтариқ, амал, дам.

www.ziyouz.com kutubxonasi

НАГОВОРИ́ТЬ *сов.* (*несов.* **наговáривать**) 1 *что* и *чего* кўп гап гапирмоқ, гапириб ташламоқ, вайсамоқ; ~ **мно́го ли́шнего** кўп ортиқча гап гапирмоқ, беҳуда гапларни гапириб ташламоқ; 2 *на кого* туҳмат (бўҳтон) қилмоқ, гап (маломат) қилмоқ, чандимоқ, ёмонламоқ; ~ **на че́стного челове́ка** тўғри (софдил) одамга бўҳтон қилмоқ; 3 *что* товушини (овозини) ёздирмоқ; ~ **пласти́нку** товушини (овозини) пластинкага ёздирмоқ; 4 *что* аврамоқ; дам солмоқ; ~ **во́ду** сувга дам солмоқ

НАГОВОРИ́ТЬСЯ *сов.* хўп гаплашмоқ, тўйиб (мириқиб) суҳбатлашмоқ; ~ **по́сле до́лгой разлу́ки** узоқ ҳижрондан сўнг тўйиб гаплашмоқ.

НАГОВО́РНЫЙ, -ая, -ое дам солинган, қайтариқ қилинган; ~**е тра́вы** дам солинган гиёҳ.

НАГ/О́Й, -а́я, -о́е 1 яланғоч, яп-яланғоч, қип-яланғоч; ~**а́я фигу́ра** яланғоч фигура; ~**о́й челове́к** яланғоч одам; 2 *перен.* яланғоч, тақир, гиёҳсиз, баргсиз; ~**и́е дере́вья** баргсиз дарахтлар; ~**и́е ска́лы** яланғоч (тақир, ҳеч нарса унмаган) қоялар; 3 *перен.* хасҳўшланмаган; очиқ, ошкор; ~**а́я и́стина** очиқ ҳақиқат.

НАГОЛЕ́ННЫЙ, -ая, -ое болдирга кийиладиган (боғланадиган), болдирдаги; болдир...

НАГОЛО́ и **НАГОЛО́** *нареч.* 1 **наголо́** яланғочлаб, қиндан суғуриб; **стоя́ть с ша́шками** ~ қилич яланғочлаб турмоқ; 2 **на́голо** и **наголо́** қиргишлаб, тақир (топ-тоза) қилиб; **остри́чь ребёнка** ~ боланинг сочини тақир қилиб олмоқ (олдирмоқ).

НАГОЛО́ВУ *нареч.*: **разби́ть** ~ ер билан яксон қилмоқ, тор-мор келтирмоқ; **проти́вник разби́т** ~ душман ер билан яксон қилинди.

НАГОЛОДА́ТЬСЯ *сов. разг.* очиқмоқ, очиқиб қолмоқ, ютоқмоқ.

НАГО́ЛЬНЫЙ, -ая, -ое аврасиз (пўстин ва ҳ. к. ҳақида); ~ **полуша́бок** аврасиз калта пўстин.

НАГОНЯ́Й *м разг.* қаттиқ гап, танбеҳ, таъзир, койиш; **получи́ть** ~ **от отца́** отасидан танбеҳ (қаттиқ гап) эшитмоқ.

НАГОНЯ́ТЬ *несов. см.* **нагна́ть.**

НА-ГОРА́ *нареч. спец.* юқорига, ер юзига (қазиб чиқариш ҳақида); **вы́дать у́голь** ~ кўмир қазиб (ер юзига) чиқармоқ.

НАГОРА́ЖИВАТЬ *несов. см.* **нагороди́ть.**

НАГОРА́ТЬ, -а́ет *несов. см.* **нагоре́ть.**

НАГОР/ЕТЬ, -ри́т *сов.* (*несов.* **нагора́ть**) 1 тутаб ёнмоқ, ёниб сўхта бўлмоқ, қурум босмоқ; **Свеча́** ~**е́ла, в ко́мнате бы́ло темно́** (Тургенев) Шам тутаб, уй қоронғи бўлиб кетипти; 2 *безл. чего* ёниб (ёқилиб) сарф бўлмоқ; ~**е́ло га́за на рубль** бир сўмлик газ ёнипти; 3 *безл. кому прост.* гап (койиш, сўкиш) эшитмоқ, гап тегмоқ; таъзирини емоқ; **ему́ за э́то** ~**и́т** бу иши учун у таъзирини ейди.

НАГО́РН/ЫЙ, -ая, -ое 1 тоғда (баландликда) жойлашган; тоғдаги, тоғли; тоғ...; ~**ая страна́** тоғли мамлакат; 2 тоғдан (тепадан) иборат, тоғли, тепали, баланд; ~**ый бе́рег Во́лги** Волганинг тоғли (баланд) қирғоғи.

НАГОРОДИ́ТЬ, -ожу́, -о́дишь и **-оди́шь** *сов.* (*несов.* **нагора́живать**) *что* и *чего* 1 девор (гов, тўсиқ ва ҳ. к.) қуриб ташламоқ; ~ **забо́ров** деворлар қуриб ташламоқ; 2 *прост.* айқаш-уйқаш уйиб (қалаштириб) ташламоқ; ботирмоқ; ~ **ку́чу вся́кого хла́ма** ҳар хил қақир-қуқурларни уйиб ташламоқ; 3 *перен. прост.* бемаза (бемаъни) нарсаларни гапириб (ёки ёзиб) ташламоқ, вайсамоқ, алжирамоқ; ~ **чепухи́** бемаъни гаплар гапириб (ёки ёзиб) ташламоқ.

НАГО́РЬЕ *с* тоғлик (ясси тоғлар ва водийлардан иборат қир); **Ира́нское** ~ Эрон тоғлиги.

НАГОСТИ́ТЬСЯ, -ощу́сь, -ости́шься *сов. разг.* хўп (тўйиб) меҳмон бўлмоқ; ~ **у ро́дственников** қариндошларникида хўп меҳмон бўлмоқ.

НАГОТ/А́ *ж книжн.* 1 яланғочлик, яп-яланғочлик, қип-яланғочлик; яланғоч жой; **прикры́ть** ~**у́** яланғоч (очилиб қолган) жойни бекитмоқ; 2 *перен.* яланғочлик, гиёҳсизлик, яланглик; ~**а́ пусты́ни** чўлнинг яланғочлиги; ✦ **во всей (свое́й)** ~**е́** очиқ, хасҳўшламасдан, бепарда, қандай бўлса, шундай.

НАГОТА́ВЛИВАТЬ *несов. см.* **нагото́вить.**

НАГОТОВЕ *нареч.* шайланиб, тайёрланиб; тайёр (шай) бўлиб (ёки қилиб), шай (тайёр) ҳолда; **быть** ~ тайёрланиб (шайланиб) турмоқ; **держа́ть ружьё** ~ милтиқни тайёр қилиб турмоқ.

НАГОТО́ВИТЬ, -влю, -вишь *сов.* (*несов.* **нагота́вливать**) *что* и *чего разг.* 1 бир миқдор ғамламоқ, тайёрламоқ; ғамлаб (тайёрлаб) қўймоқ; ~ **дров на́ зиму** қишга (қишлик) ўтин тайёрламоқ; 2 бир миқдор пиширмоқ, тайёрламоқ; пиширириб (тайёрлаб) қўймоқ; ~ **блюд на всех гостей́** ҳамма меҳмонларга етарли овқат тайёрлаб қўймоқ.

НАГОТО́ВИ/ТЬСЯ, -влюсь, -вишься *сов. чего* етарли миқдорда тайёрламоқ, тайёрлаб (ғамлаб) қўймоқ, етказиб бермоқ; **на вас не** ~**шься еды́** сизларга овқат етказиб бўлмайди.

НАГРАБИ/ТЬ, -блю, -бишь *сов. что* и *чего* талаб (босиб) бир миқдор нарса олмоқ, тўпламоқ, орттирмоқ;— **Вы взя́тками** ~**ли ку́чу де́нег** (И. Гончаров) Сиз пора орқали анча-мунча пул олгансиз.

НАГРАД/А *ж* 1 мукофот; **де́нежная** ~**а** пул мукофоти; **удосто́иться прави́тельственной** ~**ы** ҳукумат мукофотига сазовор бўлмоқ; 2 мукофот; ажр; **в** ~**у за пре́данность** садоқат учун қайтарилган мукофот, ажр.

НАГРАДИ́ТЬ, -ажу́, -ади́шь *сов.* (*несов.* **награжда́ть**) *кого-что чем* 1 мукофотламоқ, мукофот бермоқ; ~ **о́рденом** орден билан мукофотламоқ; 2 *перен.* илтифот (лутф) қилмоқ, сазовор этмоқ; ажрини бермоқ (қайтармоқ); ~ **улы́бкой** илтифот билан табассум қилмоқ; 3 *перен.* ато этмоқ (қилмоқ), бермоқ бағишламоқ; **приро́да награди́ла его́ многогра́нным тала́нтом** табиат унга кўп қиррали талант ато қилган; 4 *прост. шутл.* туширмоқ, солмоқ, тортиб (қўйиб) юбормоқ (мушт, тарсаки ва ҳ. к. ҳақида); ~ **пинко́м** дўнг бермоқ, тепмоқ; ~ **оплеу́хой** тарсаки туширмоқ, тарсаки тортиб (қўйиб) юбормоқ.

НАГРАДН/О́Й, -а́я, -о́е 1 мукофотга оид; мукофот тарзида берилган; мукофот...; ~**о́й лист** мукофот варақаси; ~**ы́е де́ньги** мукофот пули; ~**о́й отде́л** мукофот бўлими; 2 *в знач. сущ.* ~**ы́е** *мн.* мукофот учун берилган пул, пул мукофоти; **получи́ть** ~**ы́е** мукофот пулини олмоқ.

НАГРАЖДА́ТЬ *несов. см.* **награди́ть.**

НАГРАЖДЕ́НИЕ *с* 1 *по гл.* **награди́ть — награжда́ть;** ~ **передовико́в произво́дства орденами́** ишлаб чиқариш илғорларини орденлар билан мукофотлаш; 2 *уст. то же, что* **награ́да** 1; **получи́ть** ~ мукофот олмоқ.

НАГРАФИ́ТЬ, -флю́, -фи́шь *сов. что* и *чего* графалаб чиқмоқ (бўлмоқ); ~**тетра́дь** дафтарни графалаб чиқмоқ.

НАГРЕ́БАТЬ *несов. см.* **нагрести́.**

НАГРЕ́В *м* 1 *по гл.* **нагре́ть — нагрева́ть** 1 и **нагре́ться — нагрева́ться;** ~ **воды́** сувни иситиш; сувнинг исиши; ~ **ста́ли** пўлатни қиздириш; пўлатнинг қизиши; 2 тоб, иситилганлик (қизитилганлик) даражаси; **необходи́мый** ~ **пе́чи** печнинг керагича қизитилганлиги; 3 *тех.* қизиш юзаси; ~ **парово́го котла́** буғ қозонининг қизиш юзаси.

НАГРЕВА́НИЕ *с по гл.* **нагрева́ть** 1 и **нагрева́ться.**

НАГРЕВА́ТЕЛЬ *м* қиздиргич, иситгич; қизитиш (иситиш) асбоби; **электри́ческий** ~ электр қиздиргич (иситгич).

НАГРЕВА́ТЕЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое иситадиган, қиздирадиган; иситиш, қиздириш..; ~**ые пе́чи** қиздириш печлари; 2 *тех.* қиздириладиган, қизийдиган; қизиш...; ~**ая пове́рхность** қизиш юзаси.

НАГРЕВА́ТЬ *несов. см.* **нагре́ть.**

НАГРЕВА́ТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **нагре́ться;** 2 *страд. от* **нагрева́ть.**

НАГРЕСТИ́, -ребу́, -ребёшь; -рёб, -ребла́ *сов.* (*несов.* **нагреба́ть**) *что* и *чего* бир миқдор уймоқ, тўдаламоқ, тўпламоқ, ғарам қилмоқ (хаскаш, супурги ва ҳ. к. билан); ~ **ку́чу сухи́х ли́стьев** қуруқ баргларни (хазонларни) хаскаш билан тўплаб қўймоқ.

НАГРЕ́Т/ЫЙ, -ая, -ое 1 *прич. от* **нагре́ть;** 2 *в знач. прил.* илиқ, иссиқ, қизиқ; исиган, илиган, қизиган, қизиб турган; ~**ая земля́** қизиган ер; ~**ая сталь** қизиган (қизиб турган) пўлат.

НАГРЕ́ТЬ *сов.* (*несов.* **нагрева́ть**) 1 *что* иситмоқ, илитмоқ, қиздирмоқ; ~**ть во́ду** сувни иситмоқ; ~**ть печь** печни қиздирмоқ; 2 *перен. прост. кого* панд бермоқ, алдамоқ, чув туширириб кетмоқ; **его́** ~**ли на сто рубле́й уни юз**

www.ziyouz.com kutubxonasi

сўмга туширишди; ✦ **~ть ру́ки** қаллоблик билан қўлга киритмоқ, мол-дунё орттирмоқ.

НАГРЕ/ТЬСЯ *сов.* (*несов.* **нагрева́ться**) исимоқ, илимоқ, қизимоқ; **утю́г ~лся** дазмол қизиди.

НАГРЕХОВОДНИЧАТЬ *сов. разг. уст.* кўп гуноҳ ишлар қилмоқ, гуноҳга ботмоқ.

НАГРЕ́ШИ/ТЬ *сов. разг.* гуноҳ (ножўя, ёмон) ишлар қилмоқ, гуноҳга ботмоқ.

НАГРИМИРОВА́ТЬ, -ру́ю, -ру́ешь *сов. кого-что* гримламоқ, грим қилмоқ, грим суртмоқ; **~ лицо́** юзни гримламоқ.

НАГРИМИРОВА́ТЬСЯ, -ру́юсь, -ру́ешься *сов.* ўзига (юзига, қўлига) грим суртмоқ, гримланмоқ; **актёры ~лись** актёрлар гримланиб олишди.

НАГРОМОЖДА́ТЬ *несов. см.* **нагромозди́ть.**

НАГРОМОЖДА́ТЬСЯ, -а́ется *несов.* 1 *см.* **нагромозди́ться**; 2 *страд. от* **нагроможда́ть.**

НАГРОМОЖДЕ́НИЕ *с* 1 *по гл.* **нагромозди́ть** и **нагромозди́ться**; **~ цита́т** цитаталар билан тўлдириб юбориш; 2 айқаш-уйқаш уюм, тўп; **~ му́сора** тўп-тўп ахлат.

НАГРОМОЗДИ́/ТЬ *сов.* (*несов.* **нагроможда́ть**) *что* и *чего* 1 уйиб (қалаштириб) ташламоқ; **~ть я́щики** яшикларни уйиб ташламоқ; 2 пала-партиш қуриб ташламоқ, қуриб тўлдириб юбормоқ; **Не́мцы ~ли укрепле́ний вокру́г Ленингра́да...** (Тихонов) Немислар Ленинград атрофини истеҳкомлар билан тўлдириб ташлаган эди; 3 *перен.* кўпайтириб (ошириб, тўлдириб) юбормоқ; керагидан ортиқча ўрин бермоқ; **статья́ нагромождена́ изли́шними подро́бностями** мақола ортиқча тафсилотлар билан тўлдириб юборилган.

НАГРОМОЗДИ́ТЬСЯ *сов.* (*несов.* **нагроможда́ться**) бетартиб (айқаш-уйқаш) уйилиб қолмоқ, тиқилиб (қалашиб) кетмоқ.

НАГРУБИ́ТЬ, -блю́, -би́шь *сов.* қўпол (тўнг, тўрс) гап қилмоқ, қўрс (дағал) гаплар гапирмоқ.

НАГРУБИЯ́НИТЬ *сов. разг.* қўполлик (тўнглик) қилмоқ, қўрс (дағал) муомалада бўлмоқ.

НАГРУДНИК *м* 1 кўкракпеч, кўкрак фартуғи; ошхўрак; **де́тский ~** болалар ошхўраги; **фа́ртук с ~ом** кўкракпечли фартук; 2 кўкракка тақиладиган, тутиладиган қалқон (қутқариш камари ва ҳ. к.); **спаса́тельный ~** кўкракка тутиладиган қутқариш камари.

НАГРУ́ДНЫ/Й, -ая, -ое 1 кўкракка тақиладиган, осиладиган; кўкрак...; **~й значо́к** кўкрак-значоги; 2 кўкракдаги; кўкрак...; **~е плавники́** кўкрак сузгичлари.

НАГРУЖА́ТЬ *несов. см.* **нагрузи́ть.**

НАГРУЖА́ТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **нагрузи́ться**; 2 *страд. от* **нагружа́ть.**

НАГРУЗИ́ТЬ, -ужу́, -у́зишь и **-узи́шь** *сов.* (*несов.* **нагружа́ть**) *кого что чем* 1 юкламоқ, юк ортмоқ; **~ маши́ну я́щиками** машинага яшикларни ортмоқ; 2 *перен. разг.* топшириқ бермоқ, юкламоқ, зиммасига қўймоқ; **~ всю рабо́ту на одного́** ҳамма ишни бир кишига юкламоқ.

НАГРУЗИ́/ТЬСЯ, -ужу́сь, -у́зишься и **-узи́шься** *сов.* (*несов.* **нагружа́ться**) 1 *чем* бирор миқдор юк олмоқ, юк ортилмоқ; **автомаши́на до отка́за ~лась зерно́м** автомашина лиқ тўла дон (ғалла) олди; 2 *чем разг.* ортмоқламоқ, кўп юк олмоқ (ташиш, кўтариш учун); **носи́льщики ~лись вещ**а́**ми** ҳаммоллар (юк ташувчилар) кўп юк ортмоқлаб олишди; 3 *прост.* кўп (ўлгудай) ичиб олмоқ, ичиб маст бўлмоқ; маст бўлгунча ичмоқ.

НАГРУ́ЗКА *ж, р. мн.* **-зок** 1 *по гл.* **нагрузи́ть** 1; **~ самосва́лов песко́м** самосвалларга қум ортиш; **Идёт ~ муки́ на пароход** (Гарин-Михайловский) Пароходга ун ортиляпти; 2 юк, нагрузка; **ло́шади с трудо́м тяну́ли воз с тяжёлой нагру́зкой** оғир юкли араваларни отлар зўрға тортиб борар эди; 3 нагрузка, иш, вазифа; **общественная ~** ижтимоий иш (вазифа); **у преподава́телей в э́том году́ больша́я ~** ўқитувчиларнинг бу йил нагрузкаси (дарси кўп); **распредели́ть нагру́зку ка́ждому по́ровну** ишни (вазифани) ҳаммага баравар тақсимлаб бермоқ; 4 *спец.* нагрузка, юк, оғирлик; куч; **~ на ось** ўққа келадиган (тушадиган) оғирлик; **максима́льная ~ мото́ра** моторнинг максимал нагрузкаси.

НАГРУЗОЧН/ЫЙ, -ая, -ое *спец.* ортадиган; нагрузка берадиган; юк ортиш...; нагрузка...; **~ая лопа́та** юк ортадиган курак; **~ый рыча́г** нагрузка берадиган ричаг.

НАГРУЗЧИК *м* юкловчи (юк ортувчи, юклаб берувчи) қурилма, механизм; **универса́льный ~ на тра́кторе** тракторнинг универсал юк ортувчи қурилмаси.

НАГРУНТОВА́ТЬ, -ту́ю, -ту́ешь *сов.* 1 *что* грунтовка қилмоқ, грунтовка қилиб қўймоқ (чиқмоқ); **~ холст** холстни (бўзни) грунтовка қилиб қўймоқ; 2 *что* и *чего* бир миқдор грунтовка қилиб қўймоқ (чиқмоқ); **~ ну́жное коли́чество холсто́в** етарлича холст грунтлаб қўймоқ.

НАГРУСТИ́ТЬСЯ, -ущу́сь, -усти́шься *сов.* кўп хафа (диққат) бўлмоқ, бирмунча (узоқ вақт) хафа бўлиб (сиқилиб) юрмоқ; **~ в разлу́ке** ҳижронликда сиқилиб юрмоқ.

НАГРЫЗА́ТЬ *несов. см.* **нагры́зть.**

НАГРЫЗ/ТЬ, -зу́, -зёшь; -ы́з, -ы́зла *сов.* (*несов.* **нагрыза́ть**) *что* и *чего* 1 бир миқдор чақмоқ, чақиб қўймоқ (ташламоқ); **~ть мно́го оре́хов** кўп ёнғоқ чақиб қўймоқ; **~ть стака́н се́мечек** бир стакан пистачка чақмоқ; 2 кемириб (ғажиб) ташламоқ, кемириб (ғажиб) илма-тешик қилмоқ; **кры́сы ~ли дыр** каламушлар илма-тешик қилиб ташлабди.

НАГРЯЗНИ́ТЬ *сов.* ифлос қилмоқ, ивирситмоқ, булғатмоқ; **~ в пере́дней** даҳлизни ифлос қилмоқ, даҳлизни ивирситмоқ.

НАГРЯ́НУ/ТЬ *сов.* тўсатдан (қўққисдан) бостириб кирмоқ (келмоқ), бехосдан (бирдан) келиб қолмоқ; кутилмаганда (ногаҳон) юз бермоқ, бошланмоқ; **~ли го́сти** қўққисдан меҳмонлар келиб қолишди; **~ла беда́** бехосдан фалокат юз берди, фалокат оёқ остидан чиқиб қолди; **зима́ ~ла** бирдан қиш бошланди.

НАГУЛ *м* 1 яйловда боқиш, ўтлатиш, семиртириш; 2 яйловда (ўтлаб) семириш даражаси; **среднесу́точный ~ скота́** яйловда молнинг суткалик семириш даражаси (бир суткага тўғри келадиган семириши).

НАГУ́ЛИВАТЬ *несов. см.* **нагуля́ть.**

НАГУЛИВА́ТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **нагуля́ться**; 2 *страд. от* **нагу́ливать.**

НАГУЛЬНЫЙ, -ая, -ое 1 яйловда боқиш (ўтлатиш) учун белгиланган; **~ племенно́й скот** яйловда боқиш учун белгиланган (ажратилган) мол; 2 яйловда орттирилган; **~ жир** яйловда (ўтлаб) орттирилган (битган) ёғ.

НАГУЛЯ́ТЬ *сов.* (*несов.* **нагу́ливать**) 1 *что* и *чего* яйловда ўтлаб семирмоқ; **о́вцы нагуля́ли жи́ру** қўйлар яйловда семириб, ёғ битиб кетди; 2 *перен. разг. шутл. что* роҳатда (бекор) ётиб семирмоқ; **~ брю́хо** қорин қўймоқ; 3 *что разг.* ўйнаб (шўхлик қилиб) бирор нарса орттирмоқ; **~ аппети́т** ўйнаб келиб иштаҳаси очилмоқ; **~ ка́шель** ўйнаб юриб йўтал орттирмоқ; 4 *прост. кого* никоҳсиз туғмоқ, туғиб қўймоқ; **~ ребёнка** никоҳсиз бола туғмоқ; 5 *с.-х.* яйловда боқмоқ, яйловда боқиб семиртирмоқ.

НАГУЛЯ́ТЬСЯ *сов.* (*несов.* **нагу́ливаться**) мириқиб сайр қилмоқ, ўйнаб (сайр қилиб) келмоқ, ўйнаб (томоша қилиб) тўймоқ.

НАД и **НАДО** *предлог с тв.* 1 -да, тепасида, устида; -дан, тепасидан, устидан; **пролете́ть над го́родом** шаҳар тепасидан учиб ўтмоқ; **снаря́д пролете́л над голово́й** снаряд боши(м)нинг устидан ўтиб кетди; **над боло́том подни́мался густо́й тума́н** ботқоқлик устидан қалин туман кўтарилмоқда эди; 2 кимса, нарса, ҳодиса ва ҳ. к. лар устидан бошқа бирор кимса ё нарсанинг устун, юқори туришини ифодалаш учун қўлланилади; -дан, устидан, тепасидан; **он нача́льник на́до все́ми** у ҳамманинг устидан турган бошлиқ; **преиму́щество над проти́вником** душмандан устунлик, душмандан устун келиш; 3 бирор фаолият қаратилган, йўналтирилган предмет, кимса ва ш. к. ни ифодалаш учун қўлланилади; устида, -дан; билан; **рабо́тать над слова́рём** луғат устида ишламоқ; луғат тузиш билан машғул бўлмоқ; **заду́маться над сло́жным вопро́сом** мураккаб масала устида ўйланиб қолмоқ; 4 баъзи феъллар билан келиб кимсага, нарсага муносабат билдиради; **сжа́литься над** *кем-л.* кимсага раҳм қилмоқ; **смея́ться над рассе́янностью** кимсанинг паришонхотирлигидан кулмоқ.

НАД-, НАДО-, НАДЪ- *приставка* 1 феъл олд қўшимча бўлиб; а) бирор нарсанинг устига қўйилиб (қурилиб,

www.ziyouz.com kutubxonasi

қўшилиб ва ҳ. к.) орттирилишини билдиради, мас., **надстро́ить, надкле́ить, надвяза́ть**; б) иш-ҳаракатнинг андак бажарилганлигини билдиради, мас., **надкуси́ть, надломи́ть, надъе́сть**; 2 от ва сифатларга қўшилиб, янги от ва сифат ясайди, мас., **надстро́йка, надко́стный, надзе́мный.**

НАДАВА́ТЬ, -даю́, -даёшь *сов. что* и *чего кому* 1 *разг.* бир миқдор (нарса, ваъда ва ҳ. к.) бермоқ, кўп бериб юбормоқ, улашмоқ; ~ **пода́рков** кўп совға улашмоқ; ~ **обеща́ний** ваъдалар бермоқ, кўп ваъда бермоқ; 2 *прост.* роса урмоқ, туширмоқ, солмоқ; ~ **шлепко́в** роса тарсакиламоқ, тарсаки туширмоқ.

НАДА́ВИТЬ, -авлю́, -а́вишь *сов.* (*несов.* **нада́вливать**) 1 *что* и *на что* босмоқ, оғирлигини солмоқ, итармоқ; ~ **на дверь** эшикни итармоқ; ~ **кно́пку звонка́** қўнғироқ кнопкасини босмоқ; 2 *что* и *чего* эзиб (сиқиб) бир миқдор сувини олмоқ; ~ **стака́н со́ку** эзиб (сиқиб) бир стакан шарбат олмоқ; 3 *что* и *чего* бир миқдор эзғиламоқ; эзмоқ, эзиб бир миқдор тайёрламоқ; ~ **карто́фелю** бир миқдор картошка эзмоқ; 4 *что* и *кого-чего разг.* эзғилаб (босиб) бир миқдор йўқ қилмоқ, ўлдирмоқ; ~ **клопо́в** босиб (эзғилаб) анча қандала (тахтакана) ўлдирмоқ.

НАДАВЛИВАТЬ *несов. см.* **надави́ть.**

НАДА́ИВАТЬ *несов. см.* **надои́ть.**

НАДАЛБЛИВАТЬ *несов. см.* **надолби́ть.**

НАДАРИВАТЬ *несов. см.* **надари́ть.**

НАДАРИ́ТЬ *сов.* (*несов.* **нада́ривать**) *что* и *чего* кўп совға бермоқ, анча-мунча совға улашмоқ; ~ **де́тям игру́шек** болаларга анча-мунча ўйинчоқ улашмоқ.

НАДБА́ВИТЬ, -влю, -вишь *сов.* (*несов.* **надбавля́ть**) *что* и *чего разг. то же, что* **набави́ть**; ~ **цену́** баҳони оширмоқ, баҳонинг устига қўймоқ.

НАДБА́ВК/А *ж, р. мн.* **-вок** 1 *по гл.* **надба́вить**; **произвести́** ~**у** устига қўймоқ, қўшмоқ, орттирмоқ; 2 устама (пул, ҳақ ва ҳ. к.); **де́нежная** ~**а** устама пул; **получи́ть** ~**у к зарпла́те** маошга қўшимча (устама) пул олмоқ.

НАДБАВЛЯ́ТЬ *несов. см.* **надба́вить.**

НАДБА́ВОЧН/ЫЙ, -ая, -ое *разг.* устама, устига қўйилган, қўшилган, орттирилган; ~**ая цена́** устама нарх; устига қўйилган (оширилган) баҳо.

НАДБИВАТЬ *несов. см.* **надби́ть.**

НАДБИ́ТЬ, надобью́, надобьёшь *сов.* (*несов.* **надбива́ть**) *что разг.* четини (лабини) учирмоқ бир оз синдирмоқ, чақа қилмоқ, дарз кеткизмоқ; ~ **таре́лку** тарелкани уриб олиб бир оз синдириб қўймоқ.

НАДБРО́ВНЫ/Й, -ая, -ое қош устидаги (тепасидаги); ~**е ду́ги** *анат.* қош усти суяклари.

НАДБРО́ВЬЕ *с* қош усти, пешананинг қош усти қисми.

НАДВИГАТЬ *несов. см.* **надви́нуть.**

НАДВИГА/ТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **надви́нуться**; 2 сурилмоқ, суриладиган (сурилма) бўлмоқ; **одна́ ство́рка две́ри** ~**ется на другу́ю** эшикнинг бир тавақаси иккинчиси устига сурилади; 3 *страд. от* **надвига́ть.**

НАДВИЖН/О́Й, -а́я, -о́е суриладиган, сурилма; ~**ы́е две́ри** сурилма эшиклар.

НАДВИ́НУТЬ *сов.* (*несов.* **надвига́ть**) *что на кого-что* суриб қўймоқ, силжитиб (бостириб) бекитмоқ, тўсмоқ; ~ **ша́пку на у́ши** телпакни қулоққа бостириб киймоқ.

НАДВИ́НУ/ТЬСЯ *сов.* (*несов.* **надвига́ться**) 1 сурилмоқ, сурилиб тушмоқ, яқинлашиб (етиб) келмоқ, келиб қолмоқ, босиб келмоқ; **ша́пка** ~**лась на лоб** қалпоқ пешанасига сурилиб тушди; **ту́чи** ~**лись** булут босиб келди; 2 *перен.* яқинлашмоқ, кирмоқ, босмоқ, тушмоқ; ~**лась зима́** қиш кирди.

НАДВО́ДН/ЫЙ, -ая, -ое 1 сувусти, сув устидаги; ~**ая часть корабля́** кеманинг сув устидаги қисми; 2 сувнинг устида (юзида) юрадиган; ~**ый флот** сув устида юрадиган флот, сувусти флоти; 3 сув юзидаги; ~**ое положе́ние подво́дной ло́дки** сувости кемасининг юзадаги ҳолати.

НАДВОЕ *нареч.* 1 иккига, икки қисмга, икки бўлакка; **разре́зать арбу́з** ~ тарвузни икки палла қилиб сўймоқ; 2 *разг.* икки хил, икки маънода; ✦ **ба́бушка** ~ **сказа́ла** ё бўлади, ё бўлмайди, бўлиш-бўлмаслиги гумон.

НАДВО́РНЫ/Й, -ая, -ое ҳовлидаги, ҳовлида жойлашган; ҳовли...; ~**е постро́йки** ҳовлидаги бинолар; ✦ ~**й сове́тник** революциядан илгариги Россияда: еттинчи даражали гражданлик (мансаби); ~**й суд** 18—19-асрларда Россияда: дворянларнинг провинциал суд органи.

НАДВЯЗАТЬ, -яжу́, -я́жешь *сов.* (*несов.* **надвя́зывать**) *что* 1 тўқиб чаласини тўлдирмоқ, тўқиб уламоқ, узайтирмоқ; ~ **чулки́** пайпоқни тўқиб узайтирмоқ; 2 улаб узайтирмоқ, боғлаб узайтирмоқ; ~ **верёвку** арқонни улаб узайтирмоқ.

НАДВЯЗЫВАТЬ *несов. см.* **надвяза́ть.**

НАДГЛАЗНЫЙ, -ая, -ое кўз устидаги, кўзнинг тепасида жойлашган; ~ **шрам** кўз устидаги чандиқ.

НАДГЛО́ТОЧНЫЙ, -ая, -ое ҳалқумнинг (бўғизнинг) устки қисмидаги, бўғиздан юқорида (олдин) жойлашган.

НАДГНИВАТЬ, -а́ет *несов. см.* **надгни́ть.**

НАДГНИ́/ТЬ, -ёт устидан чирий бошламоқ, усти бир оз чиримоқ; **я́блоко** ~**ло** олманинг усти бир оз чирипти.

НАДГОРТА́ННИК *м анат.* кичик тил, тилча, лаклук.

НАДГОРТА́ННЫЙ, -ая, -ое томоқ устидаги; томоқ усти...; ~ **хрящ** *анат. то же, что* **надгорта́нник.**

НАДГРО́БИЕ *с* 1 қабр устига қўйилган ёдгорлик, қабр тоши; дахма, сағана; 2 *уст.* қабр тошидаги ёзув.

НАДГРО́БН/ЫЙ, -ая, -ое 1 қабр устидаги, гўр устига қўйилган (қурилган); ~**ый па́мятник** қабр устига қўйилган ёдгорлик, мақбара; 2 қабр тошидаги, сағанадаги, мақбарадаги; қабр тошига ўйилган, ёзилган; ~**ая на́дпись** қабр тошидаги ёзув; ~**ый рису́нок** қабр тошига ўйилган расм; 3 қабр устида (тобут тепасида) айтиладиган; дафн маросимида бўладиган; ~**ое сло́во** дафн маросимида (қабр устида) айтилган сўз; видолашув нутқи; ~**ый плач** тобут тепасидаги йиғи.

НАДГРЫЗА́ТЬ *несов. см.* **надгры́зть.**

НАДГРЫЗТЬ *сов.* (*несов.* **надгрыза́ть**) *что* бир оз (андак) тишламоқ, бир четини тишлаб олмоқ, атрофини (бир чеккасини) кемирмоқ, ғажиб кетмоқ; ~ **я́блоко** олмани бир тишлаб олмоқ.

НАДДАВА́ТЬ, -даю́, -даёшь *несов. см.* **наддава́ть.**

НАДДА́ТЬ, -а́м, -а́шь, -а́ст, -адим́, -адите́, -аду́т *сов.* (*несов.* **наддава́ть**) *прост.* 1 *что* и *чего* қўшмоқ, орттирмоқ, оширмоқ, кўтармоқ; ~ **жа́ру** оловни баланд қилмоқ (баландлаштирмоқ); 2 тезламоқ, тезлигини жадаллаштирмоқ, тезлаштирмоқ, оширмоқ; **Трезо́р наддал — и цап! Схвати́л перепёлку...** (Тургенев) Трезор бирдан тезлашиб беданани таппа босди..; **пти́ца наддала́ в высоту́** қуш ғизиллаб баландлаб кетди.

НАДЕБОШИРИТЬ *сов. разг.* уруш (тўполон) қилмоқ, ғавғо кўтармоқ.

НАДЁВАННЫЙ, -ая, -ое *разг.* 1 *прич. от* **надева́ть**; 2 *в знач. прил.* кийилган, тутилган, эски (кийим, пойабзал ҳақида); ~ **костю́м** кийилган костюм.

НАДЕВА́ТЬ *несов. см.* **наде́ть.**

НАДЕВА́ТЬСЯ -**а́ется** *несов.* 1 *см.* **наде́ться**; 2 *страд. от* **надева́ть.**

НАДЕ́ЖА *ж обл.* 1 *то же, что* **наде́жда**; 2 *нар.-поэт.* азизим, ишонган тоғим (яқин, севимли кишига мурожаатда ишлатилади).

НАДЕ́ЖД/А 1 умид, ишонч; **нет ни мале́йшей** ~**ы** ҳеч қандай (заррача) умид йўқ; **обма́нутые** ~**ы** пучга чиққан умидлар; **потеря́ть** ~**у** *на что-л.* умидни узмоқ; 2 ишонган (умид боғлаган) кимса, нарса; истинодгоҳ; **СССР — ~а трудя́щихся всего́ ми́ра** СССР бутун дунё меҳнаткашлари умид боғлаган мамлакатдир; **де́ти — на́ша** ~**а** болалар — бизнинг умидимиз; ✦ **в** ~**е** ...деган умид билан, илинжида, умидда, умид қилиб; **пита́ть** ~**у (**~**ы)** умид қилмоқ, умид боғламоқ, кўз тутмоқ; умидвор бўлмоқ; **вселя́ть** ~**у** *в кого* умидвор қилмоқ; **возлага́ть** ~**ы** *на кого* ишонмоқ, умид боғламоқ; **оправда́ть** *чьи* ~**ы** бировнинг умидини оқламоқ; **подаёт** ~**ы** келажаги порлоқ, умидли.

НАДЕ́ЖН/ЫЙ, -ая, -ое; -жен, -жна 1 ишончли, ишонарли, ишонса бўладиган; ~**ый помо́щник** ишончли ёрдамчи; **храни́ть** *что-л.* **в** ~**ом ме́сте** бирор нарсани ишончли жойда сақламоқ; **быть в** ~**ых рука́х** ишончли қўлларда бўлмоқ; 2 ишончлк, мустаҳкам; ~**ая опо́ра** ишончли (мустаҳкам) таянч; **Сове́тский Сою́з — ~ый опло́т ми́ра и демокра́тии** Совет Иттифоқи тинчлик ва демократиянинг ишончли (мустаҳкам) таянчидир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

НАДЕ́Л *м* 1 *по гл.* **наделя́ть — наделя́ть;** 2 улуш, надел, чек ер (революциядан илгариги Россияда: деҳқон хонадонига давлат ёки помешчиклар томонидан турли шартлар билан берилган ер парчаси).

НАДЕ́ЛА/ТЬ *сов. что* и *чего* 1 бир миқдор нарса қилмоқ, ясамоқ, тайёрламоқ; ясаб (қилиб, тайёрлаб) қўймоқ; **~ть мно́го игру́шек** анча-мунча ўйинчоқ ясаб қўймоқ; 2 қилиб қўймоқ, йўл қўймоқ; бирор ҳолатга солмоқ; **~ть оши́бок** кўп хато қилмоқ; **~ть глу́постей** аҳмоқгарчиликлар қилиб қўймоқ; **что ты ~л!** нималар қилиб қўйдинг!; **де́ти ~ли мно́го шу́ма** болалар қий-чув қилиб юборишди.

НАДЕЛИ́ТЬ *сов.* (*несов.* **наделя́ть**) *кого-что чем* 1 улуш (улашиб) бермоқ, бўлиб (тақсимлаб) бермоқ; **~ землёй** ер бўлиб бермоқ; 2 ном (лақаб) бермоқ, от қўймоқ; **~ кли́чкой** лақаб қўймоқ; 3 *перен.* бермоқ, инъом қилмоқ, ато қилмоқ, бағишламоқ; **ю́ноша наделён музыка́льными спосо́бностями** йигитчанинг мусиқий таланти бор.

НАДЕ́ЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое наделга (чек ерга) оид, чек ер...; **~ая земля́** чек ер, надел.

НАДЕЛЯ́ТЬ *несов. см.* **наделя́ть.**

НАДЁРГАТЬ *сов.* (*несов.* **надёргивать** I) *что* и *чего* 1 бир миқдор юлмоқ, суғурмоқ; юлиб (суғуриб) тўпламоқ; **~ воз травы́** бир арава ўт юлмоқ; 2 *перен. разг.* ундан-бундан олмоқ, юлиб-юлқиб олиб тўпламоқ, пала-партиш олавермоқ; **~ цита́т** пала-партиш цитаталар келтирмоқ.

НАДЁРГИВАТЬ I *несов. см.* **надёргать.**

НАДЁРГИВАТЬ II *несов. см.* **надёрнуть.**

НАДЕРЗИ́ТЬ, -и́шь *сов.* (*несов.* **дерзи́ть**) *разг.* дағаллик (қўполлик) қилмоқ; қўпол сўзлар айтмоқ; **~ покупа́телю** харидорга қўполлик қилмоқ.

НАДЁРНУТЬ *сов.* (*несов.* **надёргивать** II) *что разг.* ёпмоқ, ўрамоқ, буркамоқ, устига ташламоқ; **~ на себя́ одея́ло** кўрпани устига тортмоқ, кўрпани тортиб ўраниб олмоқ.

НАДЕ́ТЬ, -е́ну, -е́нешь *сов. что* 1 тақмоқ, илмоқ, осмоқ; тақиб (илиб, осиб) олмоқ; **~ очки́** кўзойнак тақмоқ; **~ на па́лец кольцо́** бармоққа узук тақмоқ; **~ рюкза́к на спи́ну** рюкзакни елкага осиб олмоқ; 2 кийдирмоқ; кийиб олмоқ; **~ шу́бу** пўстин кийдирмоқ; **~ сапоги́** этикни кийиб олмоқ; 3 кийдирмоқ, кийгизмоқ, қопламоқ, сирмоқ, тортмоқ; **~ чехо́л на дива́н** диванга жилд кийдирмоқ; 4 илмоқ, илиб (тиқиб) қўймоқ, киргизмоқ; тизмоқ; қўндирмоқ; **~ червяка́ на крючо́к** қармоққа чувалчанг илмоқ; **~ уло́в ры́бы на кука́н** тутилган балиқларни тизимга тизмоқ; ✦ **~ личи́ну** *чью см.* **личи́на.**

НАДЕ́ЯТЬСЯ *несов.* 1 *на что, с неопр.* или *с союзом что* умид қилмоқ, умид боғламоқ, умидвор (илинжида) бўлмоқ, кўз тутмоқ; **~ на по́мощь** ёрдамига ишонмоқ; ёрдам беради, деб умидвор бўлмоқ; **~, что весна́ бу́дет ра́ньней** баҳор эрта келади, деб умид қилмоқ; 2 *на кого-что* ишонмоқ, суянмоқ, орқа қилмоқ; **~ на това́рища** ўртоғига ишонмоқ; **~ на си́лу** кучига ишонмоқ; 3 *в знач. вводн. сл.* **наде́юсь** ишонаманки; керак; албатта; **наде́юсь, вы меня́ по́няли?** мени тушунган бўлсангиз керак?, ишонаманки, сиз мени тушундингиз?; ✦ **~ как на ка́менную го́ру** *см.* **гора́.**

НАДЗВЁЗДНЫ/Й, -ая, -ое 1 поэтик образларда: осмони фалакдаги; юлдузлардан баланд; 2 *перен.* ҳаётдан узилган; хаёл осмонидаги; **спусти́ться из ~х сфер в повседне́вную реа́льность** хаёл осмонидан тушиб, ҳақиқий ҳаётга мурожаат қилмоқ (қайтмоқ).

НАДЗЕ́МНЫ/Й, -ая, -ое ер устидаги, ер юзидаги, бетидаги; **~е сооруже́ния** ер устидаги иншоотлар.

НАДЗИРА́ТЕЛЬ *м* нозир, назоратчи (революциядан илгариги Россияда); **тюре́мный ~** турма назоратчиси.

НАДЗИРА́ТЕЛЬНИЦА *ж см.* **надзира́тель.**

НАДЗИРА́ТЬ *несов. за кем-чем* назорат қилмоқ, қараб (кўз-қулоқ бўлиб) турмоқ; **~ за поря́дком** тартиб-интизомга қараб турмоқ.

НАДЗО́Р *м* 1 назорат, назорат қилиш, қараб туриш; **быть под ~ом** назорат остида бўлмоқ; 2 назорат, назоратчилар; назорат қилувчи ташкилот; **прокуро́рский ~** прокурор назорати; **техни́ческий ~** техника назорати; **санита́рный ~** санитария назорати.

НАДЗО́РНЫ/Й, -ая, -ое назоратга оид; назорат қилувчи; назорат...; **~е о́рганы суда́** суднинг назорат органлари.

НАДИ́ВИТЬСЯ *сов. кому-чему* или *на кого-что* кўриб ҳайрон-ҳайрон қолмоқ, қараб ақли шошмоқ; **не могу́ ~, как э́то могло́ случи́ться** қандай қилиб шу аҳвол юз берганига ақлим бовар қилмайди.

НАДИРА́ТЬ *несов. см.* **надра́ть.**

НАДКА́ЛЫВАТЬ *несов. см.* **надколо́ть.**

НАДКА́ЛЫВАТЬСЯ, -ается *несов.* 1 *см.* **надколо́ться;** 2 *страд. от* **надка́лывать.**

НАДКЛА́ССОВЫ/Й, -ая, -ое синфдан ташқари, ғайрисинфий; **в кла́ссовом о́бществе не мо́жет быть ~х интере́сов** синфий жамиятда синфдан ташқари манфаатларнинг ўзи йўқ (бўлиши мумкин эмас).

НАДКОЛЕ́ННЫЙ, -ая, -ое тизза устидаги; тизза усти...; **~ая кость** тиззанинг кўзи.

НАДКОЛО́ТЬ *сов.* (*несов.* **надка́лывать**) *что* 1 сал (андак, бир оз) ёрмоқ, ёриб қўймоқ, дарз кетказмоқ, учирмоқ, чатнатмоқ; **~ поле́но** палённи салгина ёриб қўймоқ; 2 бир оз тешмоқ, салгина (андак) тешиб (санчиб) қўймоқ; **~ сли́ву для варе́нья** қиём қилиш учун олхўрини сал-сал санчиб чиқмоқ.

НАДКОЛО́/ТЬСЯ, -о́лется *сов.* сал (андак, бир оз) ёрилмоқ, дарз кетмоқ, чатнамоқ, учмоқ; **поле́но ~лось** палён бир оз ёрилди (ёрилипти).

НАДКОСТНИЦ/А *ж анат.* суяк парда, суяк устидаги парда, суяк пардаси; **воспале́ние ~ы** суяк парданинг яллиғланиши.

НАДКОСТНЫЙ, -ая, -ое суяк устидаги; суяк усти...

НАДКРЫ́ЛЬЯ *мн., р.* **-ли́й** (*ед.* **надкры́лье** *с*) қанотқалқон, қаттиқ қанот (қўнғиз ва ҳашаротларда).

НАДКУ́С *м* 1 *по гл.* **надкуси́ть;** 2 тишланган (тиш теккан) жой; **~ на пе́рсике** шафтолининг тишланган (тиш теккан) жойи.

НАДКУСА́ТЬ *сов.* (*несов.* **надку́сывать**) *что* тишлаб ташламоқ.

НАДКУСИ́ТЬ, -ушу́, -у́сишь *сов.* (*несов.* **надку́сывать**) *что* устини (бир чеккасини) тишлаб қўймоқ, тишлаб олмоқ, бир тишламоқ; **~ я́блоко** олмани тишлаб олмоқ (бир тишламоқ).

НАДКУСЫВАТЬ *несов. см.* **надкуса́ть и надкуси́ть.**

НАДЛА́МЫВАТЬ *несов. см.* **надломи́ть** и **надлома́ть.**

НАДЛА́МЫВАТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **надломи́ться;** 2 *страд. от* **надла́мывать.**

НАДЛЕЖ/А́ТЬ, -жи́т *безл. кому-чему с неопр. книжн.* керак, лозим, тегиш; **~и́т яви́ться во́время** ўз вақтида келиш керак; **~а́ло досро́чно зако́нчить пла́новую рабо́ту** планли ишни муддатидан олдин бажариш лозим эди.

НАДЛЕЖА́ЩИ/Й, -ая, -ее тегишли, керакли; лозим (керак, зарур) бўлган; **~е ме́ры** тегишли чоралар; **~м о́бразом** тегишли равишда; тегишлича.

НАДЛО́БНЫЙ, -ая, -ое пешана устидаги, пешана устида жойлашган; пешана усти..; **~ щит черепа́хи** тошбақанинг пешана устидаги косаси.

НАДЛО́М *м* 1 *по гл.* **надломи́ть** и **надломи́ться; ~ ве́тки** шохни синдириш, шохнинг синиб тушиши; 2 синиқ, ёриқ, дарз; ёрилган (дарз кетган, чатнаган жой); **~ в кости́** суякнинг синган (ёки ёрилган) жойи; 3 *перен.* дилабгорлик, дилхасталик, кўнгли яримталик; бирдан руҳи тушиш; **душе́вный ~** руҳий тушкунлик, кўнгли бузилиш.

НАДЛОМА́ТЬ *сов.* (*несов.* **надла́мывать**) *что то же, что* **надломи́ть.**

НАДЛОМИ́/ТЬ, -омлю́, -о́мишь *сов.* (*несов.* **надла́мывать**) 1 *что* эгиб (қайириб) дарз қилмоқ, синдирмоқ, синдириб қўймоқ (кетмоқ, юбормоқ); **ве́тер ~л ве́тки дере́вьев** шамол дарахтларнинг шохларини синдириб кетди; 2 *перен. кого-что* дилабгор қилмоқ, руҳини синдирмоқ, қаддини букмоқ; **~ть си́лы** куч-қувватдан кетказмоқ, куч-қувватини олиб қўймоқ; мазасини қочирмоқ; **го́ре ~ло его́** уни ғам-ғусса букиб қўйди.

НАДЛОМИ́/ТЬСЯ, -омлю́сь, -о́мишься *сов.* (*несов.* **надла́мываться**) 1 эгилиб (қайрилиб) дарз кетмоқ, чатнамоқ, синмоқ; **у него́ ~лся зуб** унинг тиши дарз кетди; 2 *перен.* дилабгор бўлмоқ, руҳи тушмоқ; қадди букилмоқ,

www.ziyouz.com kutubxonasi

мазаси кетмоқ; **здоро́вье его́ ~лось** соғлиғининг мазаси кетди.

НАДЛО́МЛЕННОСТЬ *ж* дилабғорлик, руҳи тушганлик, қадди букилганлик, мазаси кетганлик, вайронлик, синиқлиқ; **душе́вная ~** дили вайронлик.

НАДЛО́МЛЕНН/ЫЙ, -ая, -ое 1 *прич. от* **надломи́ть; дере́вья, ~ые бу́рей** бўронда синган дарахтлар; 2 *в знач. прил.* дилабғор, қадди букилган, мазаси кетган, вайрон, синиқ; руҳи тушган; **~ый челове́к** дилабғор (дили вайрон, қадди букилган) одам, **~ая душа́** вайрон (синиқ) кўнгил.

НАДМЕ́ННОСТЬ *ж* 1 манманлик, димоғдорлик, димоғи (кибр-ҳавоси) баландлик, такаббурлик, мағрурлиқ; **~ взгля́да** қарашнинг мағрурлиги, мағрур қараш; 2 такаббурона муомала, каттаконлик, гердайиш, кеккайиш.

НАДМЕ́НН/ЫЙ, -ая, -ое; -е́нен, -е́нна 1 манман, димоғдор, димоғи (кибр-ҳавоси) баланд, мағрур, такаббур, кеккайган; **~ый челове́к** димоғдор одам; 2 такаббурона, киборли; **~ое обраще́ние** такаббурона муомала.

НАДМОГИ́ЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое қабр устидаги, қабр устига қўйилган, қабр...; **~ая плита́** қабр тоши.

НА́ДО I *безл. в знач. сказ. кому-чему, с неопр., кого-что* или *кого-чего* керак, зарур, лозим, даркор; **ему́ то́лько э́то и ~** унга фақат шу (нарса) керак; **~ идти́ обе́дать** овқатга (тушликка) бориш керак; **~ купи́ть хле́ба** нон (сотиб) олиш керак; ✦ **так ему́ и ~!** қилмиш-қидирмиш!; унинг жазоси шу!; баттар бўлсин!; **что ~** *в знач. сказ. прост.* кўнгилдагидек, ажойиб, жуда соз, қулинг ўргилсин; **па́рень что ~!** жуда ажойиб йигит!; (ведь) **~ же** *прост.* қаранг-а; буни (уни) қаранг; **~ быть** *в знач. вводн. сл. прост.* эҳтимол, балки; ...керак; ...га ўхшайди; **отпра́вились в путь, ~ быть, все** ҳаммалари жўнаб кетишган бўлса керак (кетишганга ўхшайди); **~ ду́мать** (или **полага́ть**) 1) *в знач. вводн. сл.* эҳтимол, балки, ...керак; **больно́й, ~ ду́мать, ско́ро вы́здоровеет** бемор тез кунда соғайиб кетса керак; 2) ҳа, албатта; шубҳасиз; **вы идёте на конце́рт?— На́до полага́ть** сиз концертга кетяпсизми?— Ҳа, албатта.

НА́ДО II *см.* **над; ~ мно́ю** устимда, тепамда; **~ лбом** пешанасининг устида; **~ рвом** хандақ (чуқур) устида(н).

НА́ДО- *см.* **над-.**

НА́ДОБНО *безл. в знач. сказ. кому-чему, с неопр., кого-что* или *кого-чего уст.* и *прост. то же, что* **на́до** I; **нам ~ уе́хать** биз кетишимиз керак.

НА́ДОБНОСТ/Ь *ж* кераклик, даркорлик; ҳожат, эҳтиёж, зарурат, лузум; **в слу́чае ~и** зарур бўлиб қолганда (қолса); керак бўлганда (бўлса); **по ме́ре ~и** эҳтиёжга қараб; **без ~и** керак бўлмаса ҳам, эҳтиёж сезмаса ҳам; **в э́том нет ~и** бунинг ҳеч кераги (ҳожати) йўқ.

НАДОЕДА́ТЬ *несов. см.* **надое́сть.**

НАДОЕ́ДЛИВ/Ы/Й, -ая, -ое жонга тегадиган, безор қиладиган, кўнгилга урадиган, зерикарли; хира, шилқим; **~й челове́к** хира одам; **~е вопро́сы** жонга тегадиган саволлар.

НАДОЕ́/СТЬ, -е́м, -е́шь, -е́ст, -еди́м, -еди́те, -едя́т *сов.* (*несов.* **надоеда́ть**) зериктирмоқ, жонга (чаккага, меъдага) тегмоқ, безор қилмоқ, кўнгилга урмоқ; **мне э́то ~ло** бу жуда жонимга тегди; бундан жуда безор бўлдим; **~ло повторя́ть одно́ и то же** бир нарсани такрорлайвериш жонга тегди; **~сть про́сьбами** илтимослари билан жонга тегмоқ.

НАДОИ́ТЬ *сов.* (*несов.* **нада́ивать**) *что* и *чего* бир миқдор соғмоқ, соғиб олмоқ; **~ бидо́н молока́** бир бидон сут соғиб олмоқ.

НАДО́Й *м* бир соғим сут; соғиб олинган (олинадиган) сут миқдори; **ежедне́вный ~ молока́** кундалик соғиб олинадиган сут.

НАДОЛБИ́ТЬ, -блю́, -би́шь *сов.* (*несов.* **нада́лбливать**) *что* и *чего* уриб бир миқдор тешик тешмоқ; **~ сква́жин** уриб бир қанча скважина (қудуқ) ўймоқ (тешмоқ).

НАДО́ЛГО *нареч.* узоқ муддатга, кўп вақтга, узоққа, узоқ вақт; **уе́хать ~** узоқ муддатга жўнаб кетмоқ; **~ оста́нется в па́мяти** хотирада узоқ (вақт) сақланажак.

НАДО́МНИК *м* касаначи, уйда ишловчи.

НАДО́МНИЦА *ж* касаначи (уйда ишловчи) аёл.

НАДО́МН/ЫЙ, -ая, -ое уйда қилинадиган, уйда бажариладиган; **~ая рабо́та уйда қилинадиган иш**, касаначилик.

НАДОРВА́ННЫЙ, -ая, -ое 1 *прич. от* **надорва́ть; конве́рт кем-то был надо́рван** конвертни кимдир очган (йиртган) эди; 2 *в знач. прил.* хаста, шикаста, синиқ, зўриқиб ишдан чиққан; **~ го́лос** шикаста овоз; **~ плач** хаста йиғи; 3 *в знач. прил.* путури (путурдан) кетган, синиққан, мазаси қочган, дилшикаст; **~ челове́к** мазаси қочиб қолган киши, дилшикаст одам.

НАДОРВА́ТЬ *сов.* (*несов.* **надрыва́ть**) *что* 1 андак (сал) йиртмоқ, бир чеккасини йиртиб қўймоқ; **~ конве́рт** конвертни сал йиртиб очмоқ; 2 *перен.* зўриқтириб (уриниб, кучаниб) шикаст етказмоқ, майиб қилмоқ, ишдан чиқармоқ; путурдан кетказмоқ, олдирмоқ; **~ го́лос** зўриқтириб овозини ишдан чиқармоқ (бўғиб қўймоқ); **~ своё здоро́вье** қаттиқ уриниб соғлиғини кетказиб (олдириб) қўймоқ; **~ свои́ си́лы** зўриқиб (қаттиқ уриниб) ҳолдан тоймоқ, дармони қуримоқ; 3 *перен.* адо (тамом) қилмоқ, вайрон қилмоқ; **~ ду́шу** дилшикаст қилиб қўймоқ, дилини вайрон қилмоқ; ✦ **~ живо́т (живо́тики) со́ смеху** (или **от хо́хота**) *прост.* кула-кула ичаги узилмоқ.

НАДОРВА́ТЬСЯ *сов.* 1 (*несов.* **надрыва́ться**) сал (андак) йиртилмоқ, бир чеккаси йиртилиб кетмоқ; **паке́т надорва́лся** пакетнинг бир чеккаси йиртилиб кетди; 2 *перен.* зўриқиб (уриниб, кучаниб) шикаст топмоқ (орттирмоқ), шикастланмоқ, лат емоқ, путурдан кетмоқ, ишдан чиқмоқ; **~, поднима́я мешо́к** қоп кўтариб зўриқмоқ; **~ на рабо́те** ишда қаттиқ уриниб шикастланмоқ; 3 *перен.* адо (тамом) бўлмоқ, дили вайрон бўлмоқ; **~ от го́ря** ғам-ғуссадан адо (тамом) бўлмоқ.

НАДОУ́МИТЬ, -млю, -мишь *сов.* (*несов.* **надоу́мливать**) *кого разг.* ақл ўргатмоқ, маслаҳат бермоқ, йўл кўрсатмоқ, кўзини очиб қўймоқ.

НАДОУ́МЛИВАТЬ *несов. см.* **надоу́мить.**

НАДПА́РЫВАТЬ *несов. см.* **надпоро́ть.**

НАДПИ́Л *м* 1 *по гл.* **надпили́ть**; 2 сал арраланган (ёки эговланган) жой, арра (эгов) теккан жой; **~ на де́реве** дарахтнинг сал арраланган жойи.

НАДПИ́ЛИВАТЬ *несов. см.* **надпили́ть.**

НАДПИЛИ́ТЬ *сов.* (*несов.* **надпи́ливать**) *что* андак (сал, бир оз) арраламоқ; андак эговламоқ; сал (андак) арралаб (ёки эговлаб) қўймоқ; **~ бревно́** ходани сал арралаб қўймоқ.

НАДПИ́ЛКА *ж по гл.* **надпили́ть; ~ брёвен** ходаларни сал-сал арралаб қўйиш.

НАДПИСА́ТЬ, -ишу́, -и́шешь *сов.* (*несов.* **надпи́сывать**) *что* 1 устига ёзмоқ, ёзиб қўймоқ; **~ фотогра́фию** суратга ёзиб қўймоқ; **~ тетра́ди** дафтарларнинг устига (муқовасига) ёзиб қўймоқ; 2 устига (сиртига) ёзмоқ (адрес ва ҳ. к. ҳақида); **~ а́дрес на посы́лке** посилканинг устига адрес ёзмоқ; 3 сатр ёки сўз устига (тепасига, юқорисига) ёзмоқ, қўшмоқ, қистирмоқ; устидан бошқасини ёзиб қўймоқ; **вме́сто зачёркнутых строк ~ исправле́ния** чизилган сатрлар устига тузатишларини ёзиб қўймоқ.

НАДПИ́СЫВАТЬ *несов. см.* **надписа́ть.**

НАДПИС/Ь *ж* устига ёзилган хат, ёзув; **~ь на ка́мне** тошдаги ёзув; тошга ёзилган хат; **дре́вние ~и на папи́русе** папирусга ёзилган қадимий ёзув.

НАДПОРО́ТЬ *сов.* (*несов.* **надпа́рывать**) *что* бир оз (сал, андак) сўкмоқ, сўкиб қўймоқ; **~ подкла́дку** астарни бир оз сўкмоқ.

НАДПО́ЧВЕННЫ/Й, -ая, -ое тупроқ устидаги, ер бетидаги; **~е во́ды** ер бетидаги сувлар.

НАДПО́ЧЕЧНИКИ *мн.* (*ед.* **надпо́чечник** *м*) *анат.* буйрак усти безлари.

НАДПО́ЧЕЧНЫ/Й, -ая, -ое буйрак устидаги; буйрак усти...; **~е же́лезы** буйрак усти безлари.

НАДРА́ИВАТЬ *несов. см.* **надра́ить.**

НАДРА́ИТЬ *сов.* (*несов.* **надра́ивать**) *что мор.* ишқалаб (артиб) тозаламоқ, йилтиратмоқ; **~ па́лубу** палубани ишқалаб (артиб) тозаламоқ.

НАДРА́ТЬ *сов.* (*несов.* **надира́ть**) *что* и *чего* бир миқдор арчмоқ, шилмоқ, юлмоқ; арчиб (шилиб, юлиб) олмоқ; **~ мно́го кори́** анча пўстлоқ шилмоқ; ✦ **~ у́ши** *кому разг.* қулоғидан чўзмоқ, қулоғини чўзиб қўймоқ.

НАДРЕ́З *м* 1 *по гл.* **надреза́ть**; 2 кертик, кесик, тилинган (кесилган) жой; **глубо́кий ~** чуқур кесик.

www.ziyouz.com kutubxonasi

НАДРЕ́ЗАТЬ *сов.* (*несов.* **надреза́ть и надре́зывать**) *что* сал (юзакигина) кесмоқ, тилмоқ; андак кесиб (тилиб) қўймоқ; ~ **карто́н** картонни сал (юзакигина) кесмоқ; ~ **арбу́з** тарвузни чақмоқламоқ.

НАДРЕ́ЗАТЬ *несов. см.* **надре́зать.**

НАДРЕ́ЗЫВАТЬ *несов. см.* **надре́зать.**

НАДРУГАТЕЛЬСТВО *с* ҳақорат, беҳурматлик; таҳқирлаш, хўрлик.

НАДРУ́ГАТЬСЯ *сов. над кем-чем* ҳақоратламоқ, таҳқир (беҳурмат) қилмоқ; оёқ ости (поймол) қилмоқ, хўрламоқ; ~ *над чьими-л.* **чу́вствами** кимсанинг ҳис-туйғуларини (муҳаббатини) оёқ ости қилмоқ; **Надруга́лся сын над ним** (М. Горький) Ўғли уни беҳурмат қилди.

НАДРЫ́В *м* 1 *по гл.* **надорва́ть — надрыва́ть** 1; 2 йиртилган жой, йиртиқ; ~ **на листе́** варақнинг йиртиғи, йиртилган жойи; 3 *перен.* зўриқиш, кучаниш; энтикиш; **ка́шель с ~ом** энтикиб-энтикиб (ўпка узилгудек бўлиб) йўталиш; 4 *перен.* жисмоний ёки руҳан эзилган ҳолат, сиқилиш, эзилиш; **душе́вный** ~ руҳий сиқилиш.

НАДРЫВА́ТЬ *несов. см.* **надорва́ть;** ✦ ~ **гло́тку** (или **го́рло**) *прост.* овози борича бақирмоқ, қичқирмоқ; бор овозини қўйиб куйламоқ

НАДРЫВА́/ТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **надорва́ться** 1; 2 *перен. над чем* и *без доп.* зўр бермоқ, жон-жаҳди билан уринмоқ; кучанмоқ, чиранмоқ; ~**ться на рабо́те** жон-жаҳди билан ишламоқ; 3 *перен.* овози борича бақирмоқ, қичқирмоқ; **ребёнок пла́чет, ~ется** бола биғиллаб йиғлаяпти; 4 *перен. от чего* азоб (изтироб) чекмоқ; қийналмоқ, эзилмоқ; ~**ться от жа́лости** раҳми келиб эзилмоқ; 5 *страд. от* **надрыва́ть;** ✦ **се́рдце** (или **душа́**) ~**ется** (гру́стью, тоско́й и т. п.) юрак эзилади.

НАДРЫВИСТЫЙ, -ая, -ое бўғиқ, титроқ, хаста; энтиккан, изтиробли; ~ **плач** энтикиб-энтикиб йиғлаш.

НАДРЫВНЫЙ, -ая, -ое; -вен, -вна дардли, аламли, қаттиқ; ~ **стон** қаттиқ ингроқ, дардли инграш.

НАДРЫВЧА́ТЫЙ, -ая, -ое *уст. то же, что* **надры́вистый.**

НАДРЫ́ЗГАТЬ *сов.* (*несов.* **дрызгать**) *прост.* сачратмоқ; сачратиб ифлос (доғ-дуғ) қилмоқ; ~ **на полу́** полни бирор нарса сачратиб ифлос қилмоқ.

НАДСА́Д *м прост. то же, что* **надса́да.**

НАДСА́Д/А *ж прост.* 1 кучаниш, чираниш, зўриқиш; зўр келиш, зўр бериш; **рабо́тать с ~ой** зўриқиб ишламоқ; 2 зўриқиб (уриниб) шикаст топган жой, яра-чақа; **лека́рство от ~ы** яра-чақа дориси.

НАДСАДИ́ТЬ, -ажу́, -а́дишь *сов.* (*несов.* **надса́живать**) *что прост.* 1 *то же, что* **надорва́ть** 2; ~ **живо́т** қорнини зўриқтирмоқ, қорнига зўр келмоқ; 2 *перен.* ранжитмоқ, озор бермоқ (етказмоқ), алам ўтказмоқ, оғритмоқ; ~ **се́рдце** дилини оғритмоқ, юрагини эзмоқ.

НАДСАДИ́ТЬСЯ, -ажу́сь, -а́дишься *сов. прост. то же, что* **надорва́ться** 2, 3; ~ **от тяжёлой рабо́ты** оғир ишдан зўриқмоқ (шикаст топмоқ).

НАДСА́ДН/ЫЙ, -ая, -ое; -ден, -дна *прост.* 1 қаттиқ, оғир, энтиктирадиган; ~**ый ка́шель** қаттиқ йўтал; 2 кучқувватни оладиган, машаққатли, оғир; ~**ая рабо́та** оғир меҳнат (иш).

НАДСА́ЖИВАТЬ *несов. см.* **надсади́ть;** ✦ ~ **го́рло** (или **грудь**) кучаниб (зўр бериб) гапирмоқ, бақирмоқ.

НАДСА́ЖИВА/ТЬСЯ *несов. прост.* 1 зўр бермоқ, зўр бериб (жон-жаҳд билан) бирор иш қилмоқ, кучанмоқ, чиранмоқ;— **Перево́зчики ~лись, вта́скивая коля́ску на бе́рег** (Тургенев) Қиракашлар жон-жаҳди билан аравани қирғоққа тортиб чиқариш учун уринмоқда эдилар; 2 бор овоз билан бақирмоқ, қичқирмоқ; овозини борича қўйиб куйламоқ; **В за́рослях про́са оглуши́тельно ~лся пе́репел** (Шолохов) Тариқзорда бедана бор овози билан (ҳамма ёқни бузиб) сайрамоқда эди.

НАДСЕКА́ТЬ *несоз. см.* **надсе́чь.**

НАДСЕ́ЧКА *ж, р. мн.* **-чек** 1 *по гл.* **надсе́чь;** ~ **бревна́** ходани кертиб қўйиш; 2 кертилган жой, чопилган (болта, теша теккан) жой, кертик; ~ **на бревне́** ходадаги кертик.

НАДСЕ́ЧЬ, -еку́, -ечёшь, -еку́т; -е́к, -екла́ *сов.* (*несов.* **надсека́ть**) *что* андак (сал, бир оз) чопмоқ, кертмоқ, чопиб (кертиб) қўймоқ; ~ **топоро́м де́рево** дарахтни болта билан кертиб қўймоқ.

НАДСМА́ТРИВАТЬ *несов. над кем-чем* или *за кем-чем* назорат қилиб (қараб) турмоқ.

НАДСМЕ́ХАТЬСЯ *несов. над кем-чем прост. то же, что* **насмеха́ться.**

НАДСМО́ТР *м* назорат, қараб туриш.

НАДСМО́ТРЩИК *м* назоратчи, назорат қилиб (қараб) турувчи.

НАДСМО́ТРЩИЦА *ж* назоратчи (назорат қилиб турувчи) аёл.

НАДСТА́ВИТЬ, -влю, -вишь *сов.* (*несов.* **надставля́ть**) *что* 1 уламоқ, улоқ (пайванд) солмоқ; ~ **кусо́к к подо́лу** этакка (барга) улоқ солмоқ; 2 улаб (улоқ солиб) **узайтирмоқ;** ~ **рукава́** енгни улоқ солиб узайтирмоқ; ~ **коро́ткое пальто́** калта пальтони узайтирмоқ.

НАДСТА́ВКА *ж, р. мн.* **-вок** 1 *по гл.* **надста́вить;** ~ **пла́тья** кўйлакка улоқ солиш; кўйлакни улоқ солиб узайтирмоқ; 2 улоқ, пайванд; **рукава́ с ~ми** улоқ солинган енг, улоқ енг.

НАДСТАВЛЯ́ТЬ *несов. см.* **надста́вить.**

НАДСТАВН/О́Й, -а́я, -о́е 1 уланадиган; ~**а́я часть ю́бки** юбканинг уланадиган қисми; 2 уланган, улама, улоқ; ~**о́й рука́в** улама (улоқ) енг; ✦~**а́я тру́бка** пуфлаб чалинадиган асбобларнинг резонатори.

НАДСТРА́ИВАТЬ *несов. см.* **надстро́ить.**

НАДСТРО́ЕЧНЫ/Й, -ая, -ое *филос.* устқурмага оид; устқурма...; **поли́тика, мора́ль, рели́гия, филосо́фия, иску́сство — явле́ния** ~**е** снёсат, одоб-ахлоқ, дин, фалсафа, санъат устқурмавий ҳодисалардир.

НАДСТРО́ИТЬ *сов.* (*несов.* **надстра́ивать**) *что* устига қурмоқ, устига қуриб кўтармоқ; тайёр бино устига яна қават қўшмоқ; ~ **дом** устига қуриб бинони яна кўтармоқ; ~ **эта́ж** бино устига яна бир қават қурмоқ.

НАДСТРО́ЙКА *ж, р. мн.* **-о́ек** 1 *по гл.* **надстро́ить;** 2 тайёр бино устига солинган устки қават; **деревя́нная ~ зда́ния** бинонинг ёғочдан қилинган устки қавати; 3 *филос.* устқурма.

НАДСТРО́ЧНЫЙ, -ая, -ое сатр устидаги, сатр устига қўйилган (қўйиладиган); ~ **знак** сатр устидаги белги.

НАДТРЕ́СНУТЫЙ, -ая, -ое 1 сал ёрилган, дарз кетган; дарз; ~ **стака́н** дарз кетган стакан; 2 *перен.* дўриллаган, титроқ (овоз ҳақида); ~ **го́лос** дўриллаган овоз; титроқ овоз.

НАДТРЕ́СНУ/ТЬ, -нет *сов.* сал ёрилмоқ, дарз кетмоқ; **стекло́ ~ло** ойна сал дарз кетди.

НАДТРЕ́СНУТЬСЯ, -нется *сов. разг. то же, что* **надтре́снуть.**

НАДУВА́ЛА *м* и *ж прост.* товламачи, алдоқчи, фирибгар.

НАДУВА́ТЕЛЬСКИЙ, -ая, -ое *разг.* алдамчиликдан иборат, товламачиликка асосланган; алдамчилик...; **товламачилик...**

НАДУВА́ТЕЛЬСТВО *с разг.* алдамчилик, товламачилик, фирибгарлик.

НАДУВА́ТЬ *несов. см.* **наду́ть.**

НАДУВА́ТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **наду́ться** 1—4, 7; 2 *страд. от* **надува́ть** 1, 2.

НАДУВН/О́Й, -а́я, -о́е дам бериладиган, пуфланадиган, дамлама; ~**о́й матра́ц** дамлама матрас; ~**а́я игру́шка** дамлама (пуфлаб, дам бериб шишириладиган) ўйинчоқ.

НАДУ́ЛЬНИК *м воен.* 1 тўп оғзининг (ствонининг) ғилофи; 2 тўп оғзининг гардиши.

НАДУ́МАННЫЙ, -ая, -ое 1 *прич. от* **наду́мать;** 2 *в знач. прил.* ўйлаб чиқарилган, тўқима, уйдирма, ясама, сунъий; ~ **о́браз** тўқима образ.

НАДУ́МА/ТЬ *сов.* (*несов.* **наду́мывать**) *что* и *с неопр. разг.* 1 ўйлаб қўймоқ, ўйлаб бир фикрга (қарорга) келмоқ, аҳд (жазм, қарор) қилмоқ; ~**л уе́хать в дере́вню** қишлоққа кетишга жазм қилди; 2 ўйлаб чиқармоқ (қўймоқ), уйдирмоқ, тўқимоқ; **что ты ~л!** нималарни ўйлаб чиқардинг!

НАДУ́МЫВАТЬ *несов. см.* **наду́мать.**

НАДУ́Т/ЫЙ, -ая, -ое 1 *прич. от* **наду́ть;** 2 *в знач. прил.* шишган, шишиб (бўртиб) чиққан; ~**ые жи́лы на руке́** қўл-

www.ziyouz.com kutubxonasi

даги бўртиб чиққан томирлар; **3** *перен. в знач. прил. разг.* димоғи кўтарилган, шишиниб кетган, гердайган; **~ый вид** гердайган кўриниш; **4** *перен. в знач. прил.* баландпарвоз, дабдабали, тамтароқли; **~ая речь** дабдабали нутқ; **5** *перен. в знач. прил. разг.* хафа, қовоғи солиқ; аразлаган, тумшайган; **он хóдит весь день ~ый** у кун бўйи хафа бўлиб юрипти.

НАДУ/ТЬ *сов.* (*несов.* **надувáть**) **1** *что* дам бермоқ, пуфлаб (дам бериб) шиширмоқ; **~ть мяч** коптокка дам бермоқ, коптокка дам бериб шиширмоқ; **~ть шúны** шиналарга дам бермоқ; **2** *что* шиширмоқ, дўмбира қилмоқ; **вéтер ~л парусá** шамол елканларни дўмбира қилиб юборди; **3** *безл. что* и *чего* совуқ (ҳаво) кирмоқ, ғуриллаб урмоқ; **из окнá ~ло хóлоду** деразадан совуқ кириб кетди; **в дверь ~ло** эшикдан ғур этиб совуқ кирди; **4** *безл. что* и *чего* учириб (ҳайдаб) келмоқ, келтириб уйиб ташламоқ; **~ло снéгу и засы́пало дорóги** шамол учириб келган қор йўлларни босиб кетди; **5** *безл. разг.* шамоллаб қолмоқ, шамол тегмоқ; **в ýхо ~ло** қулоғи(м) шамоллаб қолди; **6** *кого прост.* алдамоқ, алдаб кетмоқ, товламоқ, тузламоқ; фириб бермоқ; ✦ **~ть гýбы** *прост.* лаби лунжини осилтирмоқ, тумсаймоқ, аразламоқ, аразлаб қолмоқ; **~ть в ýши** *кому прост. уст.* қулоғига шипшитмоқ, гап чақиштирмоқ, ғийбат қилмоқ.

НАДУ/ТЬСЯ *сов.* (*несов.* **надувáться**) **1** ҳавога тўлмоқ, дамланмоқ, шишмоқ; **мяч ~лся** коптоқ ҳавога тўлди, копток дамланди; **2** шишмоқ, дўмбира бўлмоқ; **паруса́ ~лись** елканлар дўмбира бўлди; **3** бўртмоқ, бўртиб (шишиб) чиқмоқ, катталашмоқ; **на дерéвьях ~лись пóчки** дарахтларда куртаклар бўртиб чиқди; **4** тўлиб-тошмоқ; тошиб чиқмоқ; **от проливны́х дождéй ~лись арыки** жала қуйиб, ариқлар тошиб чиқди; **5** *перен. разг.* димоғи кўтарилмоқ, шишиниб кетмоқ, гердаймоқ; **6** *перен. разг.* лаби лунжи осилмоқ; хафа бўлмоқ, аразламоқ, тумсаймоқ; **ребёнок оби́делся, ~лся** бола аразлаб, лаб-лунжи осилиб кетди; **7** *чего разг.* кўп (роса) ичмоқ, ичавериб қорни шишиб кетмоқ; **~ться ча́ю** чой ичавериб шишиб кетмоқ.

НАДУШИ́ТЬ I, -ушý, -ýшишь *сов.* (*несов.* **души́ть** II) *кого-что* атир сепмоқ; **~ носово́й платóк** дастрўмолга атир сепмоқ.

НАДУШИ́ТЬ II, -ушý, -ýшишь *сов. кто* и *кого-чего прост.* бир миқдор бўғмоқ, бўғиб ташламоқ, ўлдирмоқ.

НАДУШИ́ТЬСЯ, -ушýсь, -ýшишься *сов.* (*несов.* **души́ться** II) ўзига атир сепмоқ, ўзига атир сепиб олмоқ; **~ одеколóном** ўзига одеколон (атир) сепмоқ.

НАДФИЛЬ *м тех.* нозик эгов.

НАДХВОСТЬЕ *с* думнинг ён патлари (қушларда).

НАДЪ- *см.* **над-**.

НАДЫМИ/ТЬ, -млю́, -ми́шь *сов.* (*несов.* **дыми́ть**) тутамоқ, буруқсимоқ, тутаб (буруқсиб) кетмоқ; буруқсиб (буруқситиб) тутунга тўлдирмоқ; тутун бостирмоқ; **печь ~ла** печка тутаб кетди; **~ть кóмнату** уйни тутун бостирмоқ.

НАДЫШАТЬ *сов.* **1** нафас билан дим қилиб (иситиб) юбормоқ; **~ в вагóне** нафас билан вагонни дим қилиб (иситиб) юбормоқ; **2** *на что разг.* куҳламоқ, нафас (дам) урмоқ, нафас (дам) уриб буғ қилмоқ; **~ на окóнное стекло́** дераза ойнасига куҳламоқ; дераза ойнасига нафас (дам) уриб буғ қилмоқ; **3** *что разг.* куҳлаб (нафас уриб) эритмоқ; **~ на замёрзшем стекле́ кружóк** музлаган ойнага нафас уриб (музини эритиб) доира очмоқ;
✦ **мнóго не нады́шит** (или **недóлго нады́шит**) *прост.* узоқ яшамайди, узоққа бормайди.

НАДЫШАТЬСЯ *сов. чем* тўйиб (яйраб) нафас олмоқ (ёки ҳидламоқ); ҳавога (ёки ҳидига) тўймоқ; **~ морски́м вóздухом** денгиз ҳавосидан тўйиб нафас олмоқ;
✦ **не нады́шится** (или **не мóжет ~**) *кто на кого* қараб тўймайди; жуда ҳам (чексиз) яхши кўради; **пéред смéртью не нады́шишься** *погов. шутл.* (*л. м.* ўлим олдидан нафас олган билан тўймайсан, киши) вақт ўтгандан кейин уринишнинг фойдаси йўқ.

НАЕДА́ТЬ *несов. см.* **наéсть**.

НАЕДА́ТЬСЯ *несов. см.* **наéсться**.

НАЕДИНЕ́ *нареч.* ёлғизликда, ёлғиз, танҳо, холи; **оста́вить** *~с кем-л.* кимса билан холи қолдирмоқ (холи қўймоқ); **~ с сами́м собо́й** танҳо ўзи.

НАЕ́ЗД *м* **1** *по гл.* **наéхать** 1; **~ маши́ны на тротуа́р** машинанинг тротуарга чиқиб кетиши; машинанинг тротуарга келиб урилиши; **2** *по гл.* **наезжа́ть** II, 2; **~ы в о́тчий дом** ота ҳовлига келиб туриш; **3** *уст.* отлиқлар босқини; от қўйиб (чоптириб) келиш; **4** *уст.* кўп (кўплашиб) келиш, бирдан кўп келиш; **~ тури́стов** туристларнинг кўп келиши.

НАЕ́ЗДИ/ТЬ, -зжу, -здишь *сов.* **1** (*несов.* **наезжа́ть** I) *что* и *без доп.* бир миқдор йўл босмоқ; бир қанча вақт йўл юрмоқ; **~ть две́сти ты́сяч киломе́тров без ремо́нта** ремонтсиз икки юз минг километр йўл юрмоқ; **~ть ты́сячу часо́в за сезо́н** бир мавсумда минг соат юрмоқ; **2** (*несов.* **наéзживать**) *что разг.* ишламоқ, топмоқ; орттирмоқ (киракашлик қилиб, машина ҳайдаб ва ҳ. к.); — **Я три́дцать лет [конду́ктором] éзжу, да ~л домúшко в Таганро́ге** (А. Н. Толстой) — Мен ўттиз йилдан бери кондукторликда юраман ва Таганрогда битта уй орттирганман; **3** (*несов.* **наезжа́ть** I и **наéзживать**) *что* юраверив йўл солмоқ, қотирмоқ, текисламоқ, тиғизламоқ, зичламоқ; **доро́га наéзжена сла́бо** йўл ҳали яхши босилмабди; **4** (*несов.* **наезжа́ть** I и **наéзживать**) *кого спец.* минишга ўргатмоқ; **~ть жеребцá** тойни минишга ўргатмоқ.

НАЕ́ЗДИТЬСЯ, -éзжусь, -éздишься *сов. разг.* кўп юрмоқ, кезмоқ (отда, арава, поезд ва ҳ. к. да); **~ на мотоцúкле** мотоциклда кўп юрмоқ.

НАЕ́ЗДНИК I *м* **1** *уст.* отлиқ, от минган киши, сувори; **2** чавандоз; **искýсный ~** моҳир чавандоз; **цирково́й ~** цирк чавандози; **3** от ўргатувчи мутахассис.

НАЕ́ЗДНИК II *м зоол.* айдоқчи.

НАЕ́ЗДНИЦА *ж см.* **наéздник** I.

НАЕ́ЗДНИЧЕСТВО *с* **1** *уст.* от миниб юриш, от миниш машғулоти; **2** чавандозлик; **3** *уст.* отлиқлар ҳужуми, босқини; **4** *перен. уст.* юзакичилик, юзаки (енгил-елпи) қараш, муносабат; **~ в стихотво́рчестве** енгил-елпи шоирлик.

НАЕ́ЗДОМ и **НАЕ́ЗДАМИ** *нареч.* йўл-йўлакай, йўл устида; **он быва́ет до́ма ~** у уйга йўл-йўлакай келиб туради (тушиб ўтади).

НАЕЗЖА́ТЬ I *несов. см.* **наéздить** 1, 3, 4.

НАЕЗЖА́/ТЬ II *несов.* **1** *см.* **наéхать**; **2** *разг.* ҳар замонда бир келиб турмоқ, келиб-кетиб турмоқ; **он иногда́ к нам ~ет** у бизникига ҳар замонда келиб туради; **3** *уст.* ҳужум қилмоқ, бостириб келмоқ, бормоқ (отлиқлар ҳақида).

НАЕ́ЗЖЕНН/ЫЙ, -ая, -ое 1 *прич. от* **наéздить**; **2** *в знач. прил.* юрилавериб (босилавериб) текис бўлиб қолган, зичланган, тиғизланган **~ая доро́га** юрилавериб тиғизланган йўл; **~ый снег** босилавериб тиғизланган (зичланган) қор.

НАЕ́ЗЖИВАТЬ *несов. см.* **наéздить** 2—4.

НАЁМ *м. р.* **на́йма 1** *по гл.* **нанять — нанима́ть**; **~ рабо́чей си́лы** иш кучи (ишчилар) ёллаш; **~ кварти́ры** квартирани ижарага олиш, ижарага квартира олиб туриш; **2** ижара, кира; **сдава́ть кварти́ру в ~** квартирани ижарага қўймоқ, бермоқ.

НАЁМНИК *м* **1** ёлланма аскар; **2** *уст.* ёлланма (ёлланган) ишчи, ёлланиб ишловчи ишчи; **3** *перен. презр.* сотқин, сотилган одам; малай.

НАЁМНИЦА *ж см.* **наёмник** 2.

НАЁМНИЧЕСКИЙ, -ая, -ое ёлланма, ёлланган.

НАЁМН/ЫЙ, -ая, -ое 1 ёлланган, ёлланма; **~ый труд** ёлланма меҳнат; **~ый рабо́чий** ёлланма ишчи; **2** ижарага олинган (ёки берилган, қўйилган); **~ая да́ча** ижарага олинган дача; барибоғ; **3** кирага олинган; **~ый экипа́ж** кирага олинган файтон; **4** *перен.* сотқин, сотилган, ёлланган; **~ый уби́йца** ёлланган қотил.

НАЕ́СТЬ, -е́м, -е́шь, -е́ст; -еди́м, -еди́те, -едя́т *сов.* (*несов.* **наеда́ть**) *прост.* **1** *что* и *чего* бир миқдор емоқ-ичмоқ; бир миқдор пулга (пуллик) овқат емоқ; **~ на пять рубле́й** беш сўмга (сўмлик) овқат емоқ; **2** *перен. что* кўп овқат еб семирмоқ, орттирмоқ; **~ бры́хо** кўп овқат еб қорин солмоқ.

НАЕ́СТЬСЯ *сов.* (*несов.* **наеда́ться**) **1** *чего* тўймоқ, тўйиб емоқ; **~ до́сыта** тўйиб овқат емоқ; **2** *чем и без доп.*

www.ziyouz.com kutubxonasi

тўйгунча емоқ, еб тўймоқ; ~ **хлéбом** нонга тўймоқ, тўйгунча нон емоқ.

НАЕХА/ТЬ *сов.* (*несов.* **наезжáть** II) 1 *на кого-что* бориб урилмоқ, тегмоқ, босиб кетмоқ, босиб олмоқ; ~**ть на забóр** деворга (қўрага) бориб урилмоқ; 2 *разг.* кўп (кўплашиб) келмоқ, келиб қолмоқ; **в гóрод ~ло мнóго турúстов** шаҳарга анчагина туристлар келди.

НАЖАЛОВАТЬСЯ *сов. на кого-что разг.* шикоят қилмоқ, арз қилмоқ, нолимоқ.

НАЖАРИВАТЬ *несов.* 1 *см.* **нажáрить**; 2 *прост.* босмоқ, босиб (босим) бирор иш қилмоқ; ~ **молоткóм по наковáльне** босқон билан босиб (кетма-кет) сандонга урмоқ; ~ **на барабáне дробь** барабанни босиб (тўхтовсиз) дириллатмоқ.

НАЖАРИВАТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **нажáриться**; 2 *страд. от* **нажáривать** 1.

НАЖАРИТЬ *сов.* (*несов.* **нажáривать**) 1 *что* и *чего* бир миқдор қовурмоқ, қовуриб қўймоқ; ~ **скворóдку ры́бы** бир това балиқ қовурмоқ; 2 *что прост.* обдан қиздирмоқ, яхшилаб иситмоқ; жингиртоб қилмоқ; ~ **пéчку** печкани жингиртоб қилмоқ (обдан қиздирмоқ).

НАЖАРИТЬСЯ *сов.* (*несов.* **нажáриваться**) *прост.* иссиқда (жазирамада) туриб (қолиб) қизимоқ, қизиб (исиб) кетмоқ; жингиртоб бўлмоқ; ~ **на сóлнце** офтобда туриб (қолиб) қизиб кетмоқ.

НАЖАТЬ I, -жмý, -жмёшь *сов.* (*несов.* **нажимáть**) 1 *что* и *на кого-что* босмоқ, сиқмоқ, қисмоқ; итармоқ, тазйиқ кўрсатмоқ; ~**(на) дверь** эшикни итармоқ; ~ **кнóпку звонкá** звонок кнопкасини босмоқ; 2 *что* и *чего* сиқмоқ, сиқиб бир миқдор шира (сув) олмоқ; ~ **стакáн сóку** сиқиб бир стакан шира (сув) олмоқ; 3 *на кого-что разг.* сиқиб (ҳужум қилиб) бормоқ, сиқиб қўймоқ; ~ **на флáнги протúвника** ҳужум қилиб душман қанотларини исканжага олмоқ; 4 *перен. на кого-что* сиқувга (исканжага) олмоқ, қистамоқ; тазйиқ қилмоқ; **нажмём на снабжéнцев** таъминотчиларни исканжага оламиз; 5 *перен. на что* и *без доп. прост.* тезлатмоқ; қаттиқ киришмоқ, зўр бермоқ; **нажмём и вы́полним план досрóчно** бир зўр берсак, планни муддатидан олдин бажарамиз; ✦ ~ **на все кнóпки** (или **пружúны, педáли**) *прост.* бутун кучни ишга солмоқ, бор имкониятлардан фойдаланмоқ.

НАЖАТЬ II, -жнý, -жнёшь *сов.* (*несов.* **нажинáть**) бир миқдор ўрмоқ, ўриб қўймоқ (олмоқ, ташламоқ); ~ **сóтню снопóв пшенúцы** юз боғ буғдой ўрмоқ.

НАЖДАК *м, р.* **-á** наждак, жилвир, қумқайроқ.

НАЖДАЧН/ЫЙ, -ая, -ое наждакка оид; наждакдан қилинган; наждакли, жилвирли; наждак..; жилвир...; ~**ое месторождéние** наждак (қумқайроқ) кони; ~**ый порошóк** наждак порошоги; ~**ый кáмень** жилвир қайроқ; ~**ая бумáга** жилвир(ли) қоғоз.

НАЖЕЧЬ, -жгý, -жжёшь, -жгýт; -жёг, -жглá *сов.* (*несов.* **нажигáть**) 1 *что* и *чего разг.* бир миқдор ёқмоқ, ёндирмоқ, куйдирмоқ; ёқиб (ёндириб) юбормоқ; ~ **опáвших лúстьев** тўкилган баргларни ёқиб юбормоқ; 2 ёқиб бир миқдор сарф қилмоқ, ишлатмоқ; ~ **зá зиму мнóго тóплива** қиш давомида кўп ёқилғи ёқмоқ; **нажглó на три рубля́** уч сўмлик ёқилипти; 3 бир миқдор кўмир (пистакўмир) куйдирмоқ; ~ **тóнну ýгля** бир тонна пистакўмир куйдирмоқ; 4 *разг.* роса қиздирмоқ, жингиртоб қилмоқ; **зá день сóлнце сúльно нажглó желéзную кры́шу** кун бўйи қуёш тунука томни роса қиздирибди; 5 *разг.* яллиғлантирмоқ, қизартирмоқ, куйдирмоқ (шамол. совуқ, қуёш ҳақида); **лицó, нажжённое морóзом** совуқда қизарган юз; 6 *спец.* куйдириб босмоқ, солмоқ; ~ **таврó** куйдириб тамға босмоқ; 7 *перен. прост.* куйдирмоқ, панд бериб (алдаб, тушириб) кетмоқ, фириб бермоқ, ўтдай туширмоқ, тузламоқ; ~ **на сто рублéй** алдаб юз сўмга тушириб кетмоқ.

НАЖЕЧЬСЯ, -жгýсь, -жжёшься, -жгýтся; -жёгся, -жглáсь *сов.* (*несов* **нажигáться**) 1 *разг.* жуда қизимоқ, қизиб кетмоқ, жингиртоб бўлмоқ; 2 *перен. прост.* фириб емоқ, панд емоқ, ўтдай тушмоқ, куймоқ; **нажёгся на покýпке** хариддан ўтдай тушди(м).

НАЖИВ/А I *ж разг.* 1 *по гл.* **нажúть — наживáть** 1; ~ **состоя́ния** бойлик орттириш; 2 текин даромад, меҳнатсиз топилган пул, ўлжа, фойда; **погóня за ~ой** фойда кетидан қувиш; текин даромад излаш.

НАЖИВА II *ж то же, что* **нажúвка.**

НАЖИВАТЬ *несов. см.* **нажúть.**

НАЖИВАТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **нажúться**; 2 *страд. от* **наживáть.**

НАЖИВИТЬ, -влю́, -вúшь *сов.* (*несов.* **наживля́ть**) *что чем* қармоққа ем қилмоқ; қопқонга ем қўймоқ; ~ **ýдочку червякóм** қармоққа чувалчанг илмоқ.

НАЖИВКА *ж, р. мн.* **-вок** ем, хўрак (қармоққа, қопқонга қўйилган емиш).

НАЖИВЛЯТЬ *несов. см.* **наживúть.**

НАЖИВНО/Й I: дéло ~е эришиб (орттириб) бўладиган нарса; **знáния — делó ~е** билим — эришиб (орттириб) бўладиган нарса.

НАЖИВНОЙ II, -áя, -óе хўрак (ем) сифатида ишлатиладиган, хўрак (ем) бўладиган; ~ **червя́к** ем бўладиган чувалчанг.

НАЖИГАТЬ *несов. см.* **нажéчь.**

НАЖИГАТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **нажéчься**; 2 *страд. от* **нажигáть.**

НАЖИМ *м* 1 *по гл.* **нажáть I — нажимáть** 1, 4; ~ **льдóв** музларнинг сиқуви; 2 *разг.* сиқув, қистов, сиқиқ, тазйиқ, исканжа; **дéлать** *что-л.* **под ~ом** сиқиқ (сиқув) остида (бировнинг сиқуви билан) бирор иш қилмоқ; **произвестú ~** сиқмоқ, сиқувга (исканжага) олмоқ; 3 *спец.* босадиган мослама, қурилма, қисқич, босгич; 4 босим, босиш (хат ёзганда); **писáть с ~ом** (босим билан) ёзмоқ; **пóчерк без ~а** босмай ёзилган ёзув (дастхат); 5 *перен.* таъкидлаб (ажратиб, урғу бериб) ўқиш; талаффуз қилиш; **читáть с ~ом на отдéльные словá** айрим сўзларни таъкидлаб (айрим сўзларга урғу бериб) ўқимоқ; 6 *перен. театр.* таъкидлаб кўрсатиш, урғу бериш; урғу (роль ижросида).

НАЖИМАТЬ *несов. см.* **нажáть** I.

НАЖИМИСТЫЙ, -ая, -ое 1 *разг.* босиб ёзилган; ~ **пóчерк** босиб ёзилган ёзув (дастхат); 2 *прост.* тиришқоқ; ~ **харáктер** тиришқоқлик.

НАЖИМН/ЫЙ, -ая, -ое и **НАЖИМНОЙ, -áя, -óе** *спец.* сиқадиган, сиқиб қўядиган; сиқувчи, қисувчи; сиқиш...; ~**óй винт** сиқувчи винт; ~**óй рычáг** сиқиш ричаги.

НАЖИН *м* ўрилган (ўриб олинган) ғалла.

НАЖИНАТЬ *несов. см.* **нажáть** II.

НАЖИТО/Й, -áя, -óе *разг.* орттирилган, топилган, тўпланган; ~**е состоя́ние** орттирилган бойлик, мол-дунё.

НАЖИТЬ, -ивý, -ивёшь *сов.* (*несов.* **наживáть**) 1 *что* и *чего* топмоқ, орттирмоқ, тўпламоқ; ~ **мнóго дéнег** кўп пул топмоқ (орттирмоқ); 2 *перен. кого-что* и *кого-чего* дучор бўлмоқ, орттирмоқ; йўлиқмоқ; ~ **ревматúзм** ревматизм касалига йўлиқмоқ; бод касалини орттирмоқ; ~ **(себé) врагóв** (ўзига) душман орттирмоқ.

НАЖИТЬСЯ, -ивýсь, -ивёшься *сов.* (*несов.* **наживáться**) *на чём* и *без доп.* бойимоқ, бойлик (давлат, мол-дунё) орттирмоқ, фойда олмоқ; ~ **на воéнных постáвках** ҳарбий қурол-анжомлар сотиб бойимоқ; 2 *разг.* узоқ (тўйгунча) яшамоқ, туриб қолмоқ;— **Скóлько годóв я тут прóжил и всё не нажúлся** (Бунин) Неча йиллар бу ерда яшаб ҳали ҳам тўймадим.

НАЖРАТЬСЯ *сов.* 1 *чего разг.* еб тўймоқ, тўйиб емоқ (асосан ҳайвонлар ҳақида); 2 *груб. прост.* роса (ўлгудай) ичмоқ, ичиб маст бўлмоқ.

НАЖУЖЖА/ТЬ *сов. разг.* 1 бирмунча вақт ғўнғилламоқ, ғинғилламоқ; 2 *перен.* валдирамоқ, вайсамоқ, [illegible] ташламоқ;— **Вездé свобóда! Кто э́то ~л тебé про э́ту свобóду?** (И. Гончаров) Ҳамма ёқда эркинлик эмиш! Ким сенга валдиради шундай эркинлик ҳақида?

НАЖУЧИТЬ *сов. кого прост.* қаттиқ койимоқ, [illegible] койиб (урушиб) бермоқ.

НАЗАВТРА *нареч. разг.* эртаси куни, эртасига; ~ **мы отпрáвились в дорóгу** эртаси куни биз йўлга чиқдик.

НАЗАД *нареч.* 1 орқага, орқасига, кетига, [illegible] **попя́титься** ~ орқага тисарилмоқ; 2 орқага, орқа томонга; **огляну́ться** ~ орқага қарамоқ; **заложúть рýки** ~ [illegible] орқага қилиб юрмоқ; 3 қайтиб, қайтариб, қайта, [illegible] **верну́ться** ~ қайтиб келмоқ (кетмоқ); **взять свои словá** ~ сўзини қайтариб олмоқ; **положúть** *что-л.* ~ [illegible]

www.ziyouz.com kutubxonasi

қайтариб жойига қўймоқ; **4** бурун, **авва́л**, олдин, илгари, муқаддам; **год (тому́)** ~ бир йил бурун.

НАЗАДИ *нареч. разг.* орқада, орқа томонда, кейинда.

НАЗАЛИЗА́ЦИЯ *ж лингв.* назализация, бурунланиш (товушларнинг бурун-димоғ орқали талаффуз қилиниши).

НАЗА́НИМАТЬ *сов. что* и *чего разг.* кўп қарз олмоқ, кўп (ёки ҳаммадан) қарздор бўлмоқ, қарзга ботмоқ; ~ **де́нег** кўп қарз бўлмоқ.

НАЗВА́НИВА/ТЬ *несов.* кўп (узлуксиз) қўнғироқ чалмоқ, кўп (узлуксиз) жиринглатмоқ, жаранг-журунг қилмоқ; ~**ть по телефо́ну** кўп телефон қилмоқ; **по у́лице мча́лись, ~я, велосипеди́сты** велосипедчилар қўнғироқларини узлуксиз жиринглатиб кўчадан ўтиб турарди.

НАЗВА́НИ/Е *с* **1** ном, от, исм; ~**е кни́ги** китобнинг номи; ~**е расте́ния** ўсимликнинг номи; **2** *спец.* ном; **в на́шей библиоте́ке не́сколько ты́сяч** ~**й** кутубхонамизда бир неча минг номда китоблар бор; ✦ **одно́ назва́нье** или **то́лько назва́нье** қуруқ номи қолган холос; номи бору ўзи йўқ; номигагина; исми жисмига тўғри келмайди.

НАЗВА́Н/ЫЙ, -ая, -ое *уст.:* ~**ый брат** тутинган ака; тутинган ука; ~**ая сестра́** тутинган опа; тутинган сингил; ~**ый сын** асранди ўғил; ~**ые роди́тели** асраб олган ота-она.

НАЗВА́/ТЬ I, -зову́, -зовёшь *сов.* (*несов.* **называ́ть I**) **1** *кого-что кем-чем* атамоқ, ном бермоқ, от қўймоқ; ~**ть сы́на Ахме́дом** ўғлига Аҳмад деб ном бермоқ; ўғлининг отини Аҳмад қўймоқ; **2** атамоқ, демоқ, деб айтмоқ; **его́ мо́жно** ~**ть краса́вцем** уни гўзал йигит деб айтиш мумкин; **3** номини (отини) айтиб танитмоқ, таништирмоқ; **подоше́дший** ~**л себя́** келган киши ўзини танитди; **4** номини (отини, кунини ва ҳ. к.) айтмоқ, маълум (эълон) қилмоқ, кўрсатмоқ; ~**ть кандида́тов в коми́ссию** комиссияга кандидатларни кўрсатмоқ; **су́дьи чемпиона́та** ~**ли победи́телей** чемпионат судьялари ғолибларнинг номларини эълон қилди; ~**ть день встре́чи** учрашув кунини айтмоқ (маълум қилмоқ, белгиламоқ).

НАЗВА́/ТЬ II, -зову́, -зовёшь *сов.* (*несов.* **называ́ть II**) *что* и *кого-чего* чақирмоқ, таклиф қилмоқ, этмоқ; ~ **госте́й** меҳмон чақирмоқ; меҳмондорчиликка одамларни айтмоқ.

НАЗВА́/ТЬСЯ I, -зову́сь, -зовёшься *сов.* (*несов.* **называ́ться I**) **1** *кем-чем* ўзига бирор ном олмоқ; ўзини... деб атамоқ, кўрсатмоқ; ~**ться ревизо́ром** ўзини ревизор деб танитмоқ; **2** ўзини танитмоқ, ўз номини айтмоқ; **вошёдший** ~**лся** кириб келган киши ўзини танитди; **3** деб аталмоқ; дейилмоқ; номланмоқ, деб бўлмоқ; **Уса́дьба э́та и в цвету́щие свои́ времена́ не могла́** ~**ться краси́вою** (Салтыков-Щедрин) Бу боғни энг яшнаган йилларида ҳам чиройли боғлардан деб бўлмас эди.

НАЗВА́ТЬСЯ II, -зову́сь, -зовёшься *сов. разг.* талабгор бўлмоқ, ўзини орага тиқмоқ, суқилмоқ; ~ **в го́сти** меҳмондорчиликка суқилиб бормоқ (ўзи суқилмоқ).

НАЗДРА́ВСТВ/ОВАТЬСЯ: на вся́кое чиха́нье (или на вся́кий чих) не ~**уешься** *погов.* ҳар қандай гапга эътибор бераверіб бўлмайди (*л м.* ҳар бир аксирганда «соғ бўлинг», «саломат бўлинг» деб улгуриб бўлмайди).

НАЗЕ́М *м обл.* гўнг.

НАЗЕ́МН/ЫЙ, -ая, -ое 1 ердаги, ер устидаги (бетидаги, юзидаги); ~**ая желе́зная доро́га** ер устидаги темир йўл; ~**ые постро́йки** ер устидаги иморатлар; ~**ый я́дерный взрыв** ядро қуролини ер устида портлатиш; **2** ерда яшайдиган; ерда ўсадиган; ~**ые расте́ния** ерда ўсадиган ўсимликлар; **3** ердаги, қуруқликдаги; ~**ые войска́** қуруқликдаги қўшинлар.

НАЗЕ́МЬ *нареч.* ерга; **опусти́ть но́шу** ~ юкни ерга қўймоқ; **Ве́тер вали́л** ~ **прибре́жные кусты́** (Паустовский) Шамол соҳилдаги буталарни ерга ётқизиб қўймоқда эди.

НАЗИДА́НИЕ *с книжн.* насиҳат, панд-насиҳат, ўгит; ибрат; **в** ~ **пото́мству** авлодларга ибрат бўлсин деб (учун).

НАЗИДА́ТЕЛЬНЫ/Й, -ая, -ое; -лен, -льна *книжн.* ибратли, панд-насиҳатли, ибрат бўладиган, насиҳатомуз; ~**е слова́** панд-насиҳатли сўзлар; ~**й приме́р** ибратли мисол.

НАЗЛО́ и **НА ЗЛО** *нареч.* қасддан, қасдма-қасдига, қасдма-қасдликка; жўрттага; **де́лать** ~ қасддан (қасдма-қасдликка) қилмоқ.

НАЗНАЧА́ТЬ *несов. см.* **назна́чить.**

НАЗНАЧЕ́НИ/Е *с* **1** *по гл.* **назна́чить; ~е посо́бия** нафақа тайинлаш; ~**е лека́рства** дори ёзиб бериш, дори буюриш; **2** вазифа, белгиланган мақсад, топшириқ; **испо́льзовать** *что-л.* **по** ~**ю** бирор нарсадан ўз вазифасида (белгиланган мақсадда) фойдаланмоқ; **отря́д осо́бого** ~**я** алоҳида вазифа (топшириқ) бажарадиган отряд; **3** вазифа, хизмат, иш; **получи́ть но́вое** ~**е** янги иш олмоқ, янги ишга тайинланмоқ; **4** *книжн.* вазифа, мақсад, бурч; **высо́кое** ~**е писа́теля** ёзувчининг юксак (олий) бурчи; ✦ **ме́сто** ~**я** юборилган (белгиланган, тайинланган) жой; **ме́сто** ~**я — Ташке́нт** белгиланган (бориб тушадиган) жойи — Тошкент; **прибы́ть к ме́сту** ~**я** тайинланган жойига етиб келмоқ (бормоқ).

НАЗНА́ЧИТЬ *сов.* (*несов.* **назнача́ть**) **1** *что* тайинламоқ, белгиламоқ; ~ **день отъе́зда** жўнаб кетиш кунини белгиламоқ; ~ **пе́нсию** пенсия белгиламоқ; ~ **заседа́ние на за́втра** мажлисни эртанги кунга белгиламоқ; **2** *что* белгиламоқ, ажратмоқ, кўрсатмоқ; ~ **уча́сток для застро́йки** қурилиш учун участка белгиламоқ (кўрсатмоқ); **3** *кого* тайинламоқ; иш бермоқ; ишга қўймоқ; ~ **дире́ктором шко́лы** мактаб директори қилиб тайинламоқ; **4** *что разг.* буюрмоқ, ёзиб бермоқ; ~ **лека́рство** дори буюрмоқ, дори ёзиб бермоқ; **5** *безл. кому* олдиндан тайин қилмоқ, олдиндан белгилаб қўймоқ, тақдир қилмоқ; [**Ли́за:**] **Кому́ назна́чено-с, не минова́ть судьбы** (Грибоедов) [Лиза:] Тақдирида бор экан, қутулиб бўлмайди.

НАЗО́ЙЛИВОСТЬ *ж* хиралик, шилқимлик, елимлик.

НАЗО́ЙЛИВЫ/Й, -ая, -ое 1 хира, шилқим, елим; жонга тегадиган, безор қиладиган; ~**й челове́к** хира одам; **2** миядан чиқмайдиган (кетмайдиган), мияга ўрнашиб қолган; ~**е мы́сли** миядан чиқмайдиган фикрлар.

НАЗРЕВА́ТЬ, -а́ет *несов. см.* **назре́ть.**

НАЗРЕ/ТЬ, -е́ет *сов.* (*несов.* **назрева́ть**) **1** *уст.* пишмоқ, етилмоқ, тўлишмоқ; **по́чки** ~**ли** куртаклар тўлишиб қолди; **нары́в** ~**л** яра пишипти; **2** *перен.* яқинлашмоқ, муқаррарлашмоқ, муқаррар (зарур) бўлиб қолмоқ, вақти келмоқ, етилмоқ; **э́тот вопро́с давно́** ~**л** аллақачон бу масалани қўйиш вақти келган; ~**ла опа́сность** хавф туғилди; ~**л кри́зис** кризис яқинлашди, кризис бўлай деб турипти.

НАЗУБО́К *нареч. разг.* ёд, ёддан, ёдаки, сувдай; **знать** ~ сувдай билмоқ, ёд билмоқ; **вы́учить** ~ ёдлаб (ёд билиб) олмоқ.

НАЗЫВА́/ТЬ I *несов. см.* **назва́ть I**; ✦ **так** ~**емый 1)** деб аталадиган; 2) *ирон.* гўё, гўёки; **ссыла́ться на так** ~**емые объекти́вные причи́ны** гўё объектив сабабларни баҳона қилиб кўрсатмоқ; ~**ть ве́щи свои́ми** (или **со́бственными, настоя́щими**) **имена́ми** *см.* **и́мя.**

НАЗЫВА́ТЬ II *несов. см.* **назва́ть II.**

НАЗЫВА/ТЬСЯ I *несов.* **1** *см.* **назва́ться I**; **2** аталмоқ, айтилмоқ, дейилмоқ, бирор номга эга бўлмоқ; **го́род** ~**ется Навои́** шаҳарнинг номи — Навоий; **В метри́ческом свиде́тельстве она́** [**Со́ня**] ~**лась Красно́вскою** (Чехов) Метрик гувоҳномада у [Соня] Красновская деб аталган эди; **3** *разг.* эмиш; ...бўлди-ю; ...бўптими (бўлиптими); шу ҳам ...бўптими (бўлиптими); **а ещё спортсме́ном** ~**ется!** спортчи эмиш!; (шу ҳам) спортчи бўптими!; **това́рищ** ~**ется!** ўртоқ эмиш!; шу ҳам ўртоқчилик бўптими!; **и э́то борщо́м** ~**ется!** шу ҳам боршч эмиш!; шу ҳам боршч бўлди-ю!; ✦ **что** ~**ется** *в знач. вводн. сл.* одатда... деб аталадиган, ...деб аташ қабул қилинган; **са́мое, что** ~**ется, подходя́щее вре́мя** айни пайт; худди вақти.

НАЗЫВА́ТЬСЯ II *несов.* **1** *см.* **назва́ться II**; **2** *страд. от* **называ́ть II.**

НАИ- *приставка* сифат ва равишларнинг орттирма ва қиёсий даражасини ясайди, мас. **наибо́лее, наилу́чший.**

НАИБ *м* ноиб, ўринбосар, ёрдамчи.

НАИБО́ЛЕЕ *нареч.* **1** ҳамма(си)дан кўра, айниқса, хусусан; э́то ~ **подхо́дит к вам** ҳаммасидан кўра сизга шуниси мос (ярашади); **2** энг, энг кўп; ~ **употреби́тельные слова́** энг кўп қўлланиладиган сўзлар.

НАИБО́ЛЬШ/ИЙ, -ая, -ее энг кўп, энг катта, энг юқори, энг ортиқ; ~**ая температу́ра** энг юқори температура; ~**ая вы́года** энг катта (кўп) фойда.

НАИВНИЧА́ТЬ *несов.* **1** гўллик (соддалик) қилмоқ, соддалигига бормоқ; **2** ўзини гўлликка (соддаликка) солмоқ, гўл (содда) қилиб кўрсатмоқ.

www.ziyouz.com kutubxonasi

НАИВНО *нареч.* соддалик билан, соддалигига (гўллигига) бориб, соддаларча, гўлларча; ~ **рассужда́ть** гўлларча (содда) фикр юритмоқ.

НАИВНОСТЬ *ж* 1 соддалик, дўлварлик; гўллик; анойилик, соддадиллик; **де́тская** ~ болаларча соддалик; 2 соддалик (гўллик) билан қилинган иш, ҳаракат, соддалигига бориб айтилган гап, соддалик.

НАИВН/ЫЙ, -ая, -ое; -вен, -вна 1 содда, дўлвар, гўл, аноий, соддадил; ~**ая де́вушка** содда (гўл) қиз; 2 оддий, содда; соддалик (соддадиллик) билан қилинган; ~**ый вопро́с** оддий (содда) савол; ~**ая улы́бка** соддадиллик билан жилмайиш; ~**ая пе́сенка** содда қўшиқ.

НАИВЫСШ/ИЙ, -ая, -ее энг юқори, энг баланд, энг олий; **това́р** ~**его ка́чества** энг юқори сифатли мол; ~**ее достиже́ние** энг юқори ютуқ.

НАИГРАННОСТЬ *ж* ёлғондакамлик, сунъийлик, ясамалик, сохталик; **В ка́ждом его́ же́сте бы́ли** ~ **и фальшь** (Гладков) Унинг ҳар бир имосида сунъийлик ва ғайриоддийлик бор эди.

НАИГРАНН/ЫЙ, -ая, -ое 1 *прич. от* **наигра́ть**; 2 *в знач. прил.* ёлғондакам, сунъий, ясама, сохта; ~**ая весёлость** сунъий (ясама, сохта) хушчақчақлик.

НАИГРА́ТЬ *сов.* (*несов.* **наи́грывать**) 1 *что* и *чего разг.* бир неча куй чалиб бермоқ, ижро этмоқ; 2 *что* и *чего разг.* музика чалиб ёки қимор ўйнаб топмоқ, орттирмоқ; ~ **ку́чу де́нег** музика чалиб кўп пул топмоқ; қимор ўйнаб кўп пул ютмоқ; ~ **мозо́ли на па́льцах** чалавериб қўлларини қадоқ қилиб олмоқ; 3 *что* чалиб кўрсатмоқ; чалиб (диринглатиб) кўрсатиб бермоқ; ~ **моти́в** куйни чалиб кўрсатмоқ; 4 *разг.* чалиб ёздирмоқ (пластинка, плёнка ва ш. к. га); ~ **пласти́нку** пластинкага чалиб ёздирмоқ.

НАИГРА́/ТЬСЯ *сов.* хўп (тўйиб, мириқиб) ўйнамоқ, роса ўйнамоқ, ўйинга тўймоқ; **де́ти** ~**лись** болалар роса ўйнашди.

НАИГРЫВАТЬ *несов. что* 1 *см.* **наигра́ть**; 2 диринглатиб (тинғиллатиб) чалмоқ, майин (паст овоз билан) чалиб бермоқ; ~ **на бая́не «Катю́шу»** баянда паст овоз билан «Катюша»ни чалмоқ.

НАИГРЫШ *м* 1 халқ чолғу куйи; 2 *театр.* ўйинда сунъийлик, сунъий ўйин.

НАИЗНА́НКУ *нареч.* 1 тескарисини, тескарисига, тескари; **вы́вернуть хала́т** ~ халатнинг (чопоннинг) тескарисини ағдармоқ; **наде́ть руба́ху** ~ кўйлакни тескари кийиб олмоқ; 2 *перен.* аксинча, чаппасига, тескари; **он всё де́лает** ~ у ҳамма ишни тескари қилади; ✦ **вы́вернуться (вы́воротиться, выора́чиваться)** ~ *прост.* 1) жуда ҳам тиришмоқ, жон-жаҳди билан ҳаракат қилмоқ; 2) кўнглидаги бор гапни айтмоқ, ҳеч нарсани яширмай (очиқ) гапириб бермоқ, тўкиб солмоқ.

НАИЗУ́СТЬ *нареч.* 1 ёд, ёддан, ёдаки; **прочита́ть** ~ **стихотворе́ние Пу́шкина** Пушкин шеърини ёд айтмоқ; 2 *разг.* беш бармоқдай, сувдай, батафсил, муфассал, мириданмиридан-сиригача; **я его́ пова́дки** ~ **зна́ю** мен унинг қилиқларини мириданмиридан-сиригача биламан.

НАИЛУ́ЧШ/ИЙ, -ая, -ее энг яхши, энг соз, аъло; **показа́ть** ~**ие результа́ты** энг яхши натижалар кўрсатмоқ; ✦ **(жела́ю вам) всего́** ~ **его!** сизга энг яхши тилаклар тилаб қоламан!

НАИМЕ́НЕЕ *нареч.* энг оз, энг кам; энг; ~ **интере́сный** энг қизиқарсиз.

НАИМЕНОВА́НИ/Е *с* 1 *то же, что* **назва́ние** 1; 2 *спец.* ном; тур; **в прейскура́нте два́дцать** ~**й хлебобу́лочных изде́лий** прейскурантда йигирма номда (турда) нон-бўлка маҳсулотлари бор.

НАИМЕНОВА́ТЬ, -ну́ю, -ну́ешь *сов. кого-что* номламоқ, ном бермоқ, атамоқ.

НАИМЕ́НЬШ/ИЙ, -ая, -ее энг кам, энг оз, энг кичик, энг қисқа; **с** ~**ими затра́тами** энг кам сарф қилиб; ✦ **пойти́ по ли́нии** (или **по пути́**) ~**его сопротивле́ния** энг осон йўлдан бормоқ, энг осон йўлни танламоқ.

НАИПА́ЧЕ *нареч. уст.* айниқса, хусусан, ҳаммадан ҳам (кўра).

НА́ИСКОСОК *нареч. разг. то же, что* **на́искось**.

НА́ИСКОСЬ *нареч.* қиялаб, қиясига, қиямасига, бурчакма-бурчак; **пройти́ поле** ~ майдонни қиямасига кесиб ўтмоқ; **расположи́ть** *что-л.* ~ бирор нарсани қия қўймоқ, қия қилиб жойлаштирмоқ.

НАЙТИ/Е *с книжн. уст.* қандайдир бир ғойибона куч, таъсир, илҳом; ✦ **по** ~**ю (свы́ше)** қандайдир бир ички ҳис (сезги) билан, худди сезгандай, ғайриихтиёрий равишда.

НАИХУДШИЙ, -ая, -ее энг ёмон, энг ярамас, энг паст; ~ **результа́т** энг ёмон (паст) натижа.

НАЙДЁНЫШ *м разг.* топиб олинган бола, топилди.

НАЙМИ́Т *м* 1 *обл.* ёлланган ишчи; 2 *презр. то же, что* **наёмник** 3; ~**ы капита́ла** капитал малайлари.

НАЙТИ I, найду́, найдёшь; нашёл, -шла́ *сов.* (*несов.* **находи́ть** I) 1 *кого-что* топмоқ; топиб олмоқ; ~ **гриб** қўзиқорин топмоқ; ~**ко́рень женьше́ня** женьшень илдизини топиб олмоқ; ~ **па́ру** жуфтини топмоқ; 2 *что* топмоқ, аниқламоқ; ~ **ко́рень квадра́тный** *мат.* квадрат илдизни топмоқ; 3 *что* топмоқ (йўл, илож, вақт ва ш. к. ҳақида); ~ **свобо́дную мину́ту** *для чего-л.* бўш вақт топмоқ; 4 *что* ўйлаб топмоқ (чиқармоқ); очмоқ, кашф этмоқ; ~ **отве́т** жавоб топмоқ; ~ **но́вый спо́соб** янги усул топмоқ; 5 *что* топмоқ, кўрмоқ; **что вы в нём нашли́ хоро́шего?** сиз унинг нимасини яхши кўриб қолдингиз?; 6 *кого-что* учратмоқ, бирор аҳволда (кайфиятда) кўрмоқ; ~ **дру́га в тяжёлом состоя́нии** дўстини оғир аҳволда учратмоқ; 7 *что* олмоқ, топмоқ; ҳосил (ҳис) қилмоқ; ~ **по́льзу** наф топмоқ, баҳра олмоқ; ~ **утеше́ние в кни́гах** китобдан таскин топмоқ; ~ **удово́льствие** *в чём-л.* бирор нарсадан лаззатланмоқ; 8 топмоқ, эга бўлмоқ; ~ **примене́ние** қўллана бошламоқ, жорий бўлмоқ; 9 хулосага (фикрга) келмоқ; деб билмоқ (ҳисобламоқ, топмоқ); ~, **что собесе́дник прав** суҳбатдошнинг гапи тўғри экан, деган хулосага бормоқ; ~ **реше́ние пра́вильным** қарорни тўғри деб топмоқ; 10 *разг.* шахс формаларида салбий муносабат билдириб келади; **нашёл чем хва́статься** шунга мақтаняпсанми, ҳали; ✦ ~ **смерть** (или **моги́лу, коне́ц** и т. п.) *высок.* ҳалок бўлмоқ, ўлимини топмоқ; ~ **себя́** ўз ўрнини (нимага мойиллигини, қобилиятини) билиб олмоқ; **нашёл (нашли́) дурака́!** аҳмоғинг йўқ!; ~ **о́бщий язы́к** умумий тил топмоқ.

НАЙТИ II, найду́, найдёшь; нашёл, -шла́ *сов.* (*несов.* **находи́ть** II) 1 *на кого-что* дуч келмоқ, тўқнашмоқ, рўбарў келмоқ, олдидан чиқмоқ; урилмоқ, қоқилмоқ; ~ **на пень** тўнкага урилмоқ; ~ **на мель** саёзликка дуч келмоқ; 2 *на что* қоплаб олмоқ, ўрамоқ, буркамоқ, тўсмоқ; **ту́ча нашла́ на со́лнце** қуёшни булут қоплади; 3 келмоқ, бошланмоқ; **Как бы́стро нашла́ гроза́, так же бы́стро она́ рассе́ялась** (Арсеньев) Момақалдироқ қандай тез бошланган бўлса, шундай тез тўхтади; 4 *перен. на кого разг.* пайдо бўлмоқ; босмоқ, чулғамоқ, **на неё нашёл страх** уни ваҳима босди; 5 *безл.* тутмоқ, тутиб қолмоқ, қўзимоқ; **что он кричи́т? — На него́, ви́димо, нашло́** нега у ваҳиллаяпти?— Жини қўзиганга (тутганга) ўхшайди; 6 *разг.* бир миқдор йиғилмоқ, тўпланмоқ, келиб қолмоқ, босиб кетмоқ; **в ко́мнату нашло́ мно́го наро́ду** хонага анча одам кирди; хонани одам босиб кетди; 7 кирмоқ, кириб кетмоқ; кириб тўпланмоқ, тўлмоқ; **в ко́мнату нашёл хо́лод** хонага совуқ кириб кетди; ✦ **нашла́ коса́ на ка́мень** *см.* **коса́**.

НАЙТИ́СЬ, найду́сь, -найдёшься; нашёлся, -шла́сь *сов.* (*несов.* **находи́ться**) 1 топилмоқ, топилиб қолмоқ; **пропа́жа нашла́сь** йўқолган нарса топилди; 2 бор (мавжуд) бўлмоқ, чиқиб (топилиб) қолмоқ; **у тебя́ найдётся пять рубле́й?** сенда беш сўм борми?; **охо́тников на э́то де́ло не нашло́сь** бу ишга қизиқувчилар бўлмади (топилмади, чиқмади); 3 иложини топмоқ, мушкулликдан чиқмоқ; гап топиб бермоқ; **он не нашёлся, что отве́тить** жавоб тополмай қолди, нима деб жавоб қайтаришни билмай қолди.

НАКА́З *м* 1 йўл-йўриқ, кўрсатма; буйруқ, топшириқ; насиҳат; **отцо́вский** ~ ота насиҳати; 2 наказ; талаб ва топшириқлар; ~ **избира́телей депута́ту** сайловчиларнинг депутатга накази.

НАКАЗА́НИ/Е *с* жазо; **вы́сшая ме́ра** ~**я** олий жазо чораси; ✦ **вот** ~**е; про́сто** ~**е; ~е (мне, тебе́** и т. д.) *с кем* жон азоби, бошга битган бало, ташвиш, дардисар.

НАКАЗА́/ТЬ I, -ажу́, -а́жешь *сов.* (*несов.* **нака́зывать** I) 1 жазоламоқ, жазо бермоқ; ~**ть винО́вных** айбдорларни жазоламоқ; 2 *разг. шутл.* чиқимдор қилмоқ, туширмоқ; ~**ть на два́дцать рубле́й** йигирма сўмга туширмоқ; **он**

www.ziyouz.com kutubxonasi

сам себя́ ~л у ўзига ўзи қилди (ўзига ўзи жазо орттирди).

НАКАЗА́/ТЬ II, -ажу́, -а́жешь *сов. (несов.* **нака́зывать** II) *кому уст.* и *прост.* буюрмоқ, тайинламоқ, топшириқ бермоқ; насиҳат қилмоқ; **роди́тели ~ли де́тям сиде́ть до́ма** ота-оналари болаларга уйда ўтиришни буюрди (уйда ўтиринглар, деб тайинлашди).

НАКАЗУ́ЕМЫЙ, -ая, -ое *юр.* жазога лойиқ, жазоланадиган, жазога тортиладиган, жазо бериладиган; ~ **посту́пок** жазога лойиқ иш.

НАКА́ЗЫВАТЬ I *несов. см.* **наказа́ть** I.

НАКА́ЗЫВАТЬ II *несов. см.* **наказа́ть** II.

НАКА́Л *м* 1 *по гл.* **накали́ть** и **накали́ться**; 2 равшанлик; чўғланиш (қизиш) даражаси; **ла́мпочка гори́т по́лным ~ом** лампочка тўла равшанлик билан ёнмоқда; **бе́лый ~** оппоқ оқариб қизиш; 3 *перен.* қизғин (жўшқин) пайт; қизиган (жўшга келган, авжи **кучайган**) пайт, долзарб пайт; **~ борьбы́ соревну́ющихся** мусобақадошлар курашининг қизғин пайти.

НАКАЛЁНН/ЫЙ, -ая, -ое 1 *прич. от* **накали́ть**; **про́волока, ~ая добела́** оппоқ оқаргунча қизиган (қизитилган) сим; 2 *в знач. прил.* қизиган, жўшга келган, кескин, жиддий, таҳликали; **~ая обстано́вка** кескин вазият.

НАКА́ЛИВАНИ/Е *с по гл.* **нака́ливать** и **нака́ливаться**; **~е плиты́** плитани қиздириш; плитанинг қизиши; ✦ **ла́мпа ~я** чўғланма лампа.

НАКА́ЛИВАТЬ *несов. см.* **накали́ть.**

НАКА́ЛИВАТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **накали́ться**; 2 *страд. от* **нака́ливать.**

НАКАЛИ́ТЬ *сов.* (*несов.* **нака́ливать** и **накаля́ть**) 1 *что* қиздирмоқ, чўғлантирмоқ, чўғ қилмоқ; ~ **утю́г** дазмолни қиздирмоқ; 2 *перен. кого-что* кескинлаштирмоқ, жиддийлаштирмоқ; жўшга келтирмоқ; **~ атмосфе́ру** вазиятни кескинлаштирмоқ; **~ стра́сти** қизиштирмоқ, қизиқиштирмоқ, эҳтиросларни жўшга келтирмоқ.

НАКА́ЛИ/ТЬСЯ *сов.* (*несов.* **нака́ливаться** и **накаля́ться**) 1 қизимоқ, чўғ бўлмоқ; **желе́зо ~лось** темир қизиди; 2 *перен.* кескинлашмоқ, жиддийлашган; кескин (жиддий) тус олмоқ; жўшга келмоқ; **стра́сти ~лись** эҳтиослар жўшга келди.

НАКА́ЛЫВАТЬ I *несов. см.* **наколо́ть** I.

НАКА́ЛЫВАТЬ II *несов. см.* **наколо́ть** II.

НАКА́ЛЫВАТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **наколо́ться**; 2 *страд. от* **нака́лывать** II.

НАКАЛЯ́ТЬ *несов. см.* **накали́ть.**

НАКАЛЯ́ТЬСЯ, -я́ется *несов.* 1 *см.* **накали́ться**; 2 *страд. от* **накаля́ть.**

НАКАНИФО́ЛИТЬ *сов. что* канифолламоқ, канифоль суртмоқ; ~ **смычо́к** камонга канифоль суртмоқ.

НАКАНУ́НЕ I *нареч.* кечагина, яқиндагина, тунов куни; ~ **он был ещё здоро́в** кечагина (яқиндагина) у соппа-соғ эди; 2 *предлог с р.* арафасида, олдида; **встре́титься ~ пра́здника** байрам арафасида учрашмоқ.

НАКАПА́ТЬ *сов.* (*несов.* **нака́пывать** I) 1 *что* и *чего* бир миқдор томизмоқ, томдирмоқ; ~ **в стака́н пять ка́пель лека́рства** стаканга беш томчи дори томизмоқ; 2 *что, чего* и *чем* томчи тушириб доғ қилмоқ, томизиб (томдириб) ифлос қилмоқ, доғ-дуғ қилиб юбормоқ; ~ **на ска́терть варе́ньем** дастурхонга қиём томдириб ифлос қилмоқ; 3 *на кого прост.* биров устидан гап (арз) қилмоқ, чақмоқ; ~ **на сослужи́вца** хизматдош устидан гап (арз) қилмоқ, хизматдошини чақмоқ.

НАКАПЛИ́ВАТЬ *несов. см.* **накопи́ть.**

НАКА́ПЛИВАТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **накопи́ться**; 2 *страд. от* **нака́пливать.**

НАКА́ПЧИВАТЬ *несов. см.* **накопти́ть** 1, 2.

НАКА́ПЫВАТЬ I *несов. см.* **нака́пать.**

НАКА́ПЫВАТЬ II *несов. см.* **накопа́ть.**

НАКА́РКА/ТЬ *сов. что* и *без доп.* 1 қағилламоқ, қағиллаб бир балони чақирмоқ, қўзғамоқ (қарға ҳақида); 2 *перен.* совуқ нафас қилмоқ; **не ~й беды́!** совуқ нафас қилма!

НАКА́Т *м* 1 *по гл.* **наката́ть** и **накати́ть**; 2 *спец.* қирғоққа уриладиган денгиз тўлқини; 3 *перен.* накат (ўқ узилган пайтда орқага тепган тўпнинг қайтиши); 4 қатор ётқизилган, тўшалган тахта, ёғоч тўшама; **блинда́ж в шесть ~ов** олти қават ёғоч тўшаб қилинган блиндаж; 5 накат (қоғоз ўрайдиган чарх); 6 накат (деворга солинган босма гул ва шундай гул солиш).

НАКА́ТАНН/ЫЙ, -ая, -ое 1 *прич. от* **накати́ть**; 2 *в знач. прил.* босилган, зичланган, тиғизланган, заранг; **~ая доро́га** заранг йўл.

НАКА́ТАТЬ *сов.* (*несов.* **нака́тывать** I) 1 *что* и *чего* бирма-бир думалатиб (ғилдиратиб) олиб келмоқ, бир миқдор келтирмоқ; ~ **де́сять бо́чек** думалатиб ўнта бочка келтирмоқ; 2 *что* и *чего* зувалаламоқ, ясамоқ; думалатиб зувала (гувала ва ҳ. к.) қилмоқ; ~ **ша́риков из пластили́на** пластилиндан шарчалар қилмоқ; 3 *что спец.* гул босмоқ, гул солмоқ; ~ **рису́нок на ткань** газламага гул босмоқ; 4 *что* юраверіб (қатнайвериб) зичламоқ, тиғизламоқ, текис (заранг) қилмоқ; ~ **доро́гу** қатнайверіб йўл солмоқ (йўлни текис, заранг қилмоқ); ~ **лы́жню** чанғида учаверіб йўл ҳосил қилмоқ, из солмоқ; 5 *что* и *чего на кого-что разг.* ўрамоқ; ~ **катю́шку ни́ток** ғалтакка ип ўрамоқ; **ёж нака́тал на себя́ ли́стьев** типратикан думалаб баргларни ўзига санчиб (ўраб) олипти; 6 *что* и *чего прост.* шариллатиб ёзмоқ (чизмоқ), бирпасда ёзиб (чизиб) ташламоқ; ~ **письмо́** шариллатиб хат ёзмоқ.

НАКАТА́ТЬСЯ *сов. разг.* роса учмоқ, сайр қилмоқ, юрмоқ (арава, машина ва ш. к. да); ~ **на велосипе́де** велосипедда роса учмоқ.

НАКАТИ́/ТЬ, -ачу́, -а́тишь *сов.* (*несов.* **нака́тывать** II) 1 *что* и *чего* думалатиб (ғилдиратиб) бир миқдор келтирмоқ; ~**ть бо́чек** бочкаларни думалатиб келтирмоқ; 2 *что на что* думалатиб устига чиқармоқ, жойламоқ; ~**ть бо́чку на платфо́рму** бочкани платформага думалатиб чиқармоқ; 3 *то же, что* **накати́ться** 1; **волна́ ~ла на бе́рег** тўлқин қирғоққа урилди (қирғоқни босди); 4 *перен. разг. то же, что* **накати́ться** 2; **на нас ~ли бе́дствия, вы́званные войно́й** уруш туфайли бошимизга кулфатлар тушди; 5 *разг.* кўплаб (кўплашиб, ёпирилиб) келмоқ, бирдан келиб қолмоқ, пайдо бўлмоқ; ~**ло мно́го тури́стов** кўплаб туристлар келди; 6 *перен. на кого прост.* бирдан босмоқ, чулғаб олмоқ, қопламоқ (ҳис-туйғу ҳақида); **на неё ~ла тоска́** уни ғам босди.

НАКАТИ́/ТЬСЯ *сов.* (*несов.* **нака́тываться**) 1 ғилдираб (думалаб) келиб босмоқ, босиб келиб урилмоқ, устига чиқиб кетмоқ; **бревно́ ~лось на но́гу** хода думалаб келиб оёғини босиб қолди; **на бе́рег ~лась волна́** тўлқин келиб қирғоққа урилди (қирғоқни босди); 2 *перен. прост.* тўсатдан (кутилмаганда) пайдо бўлмоқ, бошга тушмоқ; **на них ~лась беда́** уларнинг бошига бирдан ташвиш тушиб қолди; 3 *перен. прост. то же, что* **накати́ть** 6; **на неё ~лась тоска́** уни ғам босди.

НАКА́ТОМ *нареч.* думалатиб, юмалатиб, ғилдиратиб; **грузи́ть бо́чки** ~ бочкаларни юмалатиб (чиқариб) юкламоқ.

НАКА́ТЫВАТЬ I *несов. см.* **накати́ть** 1—5.

НАКА́ТЫВАТЬ II *несов. см.* **накати́ть.**

НАКА́ТЫВАТЬСЯ I *несов.* 1 *см.* **накати́ться**; 2 *страд. от* **нака́тывать** II.

НАКА́ТЫВАТЬСЯ II, -ается *несов. страд. от* **нака́тывать** I.

НАКАЧА́ТЬ *сов.* (*несов.* **нака́чивать**) 1 *что* и *чего* насос билан бир миқдор (сув, газ) чиқармоқ, тортмоқ; ~ **цисте́рну воды́** насос билан бир цистерна сув олмоқ; 2 *что* дам бермоқ, дамламоқ, дам бериб тўлдирмоқ; ~ **футбо́льную ка́меру** футбол камерасига дам бермоқ; 3 *перен. кого прост.* роса ичирмоқ, ичириб маст қилмоқ; 4 *перен. кого прост.* қаттиқ танбеҳ бермоқ, койимоқ, таъзирини (адабини) бериб қўймоқ; 5 *перен. что кому прост.* обдан уқтирмоқ, тушунтириб қўймоқ, қилдирмоқ; ✦ **не́ было печа́ли, (так) че́рти накача́ли** ўтирувдим ғамсиз, қўшнимнинг сигири туғди думсиз; бир камим шу эди, шу етмай турган эди.

НАКАЧА́ТЬСЯ *сов.* 1 *разг.* роса (арғимчоқ) учмоқ; ~ **на каче́лях до головокруже́ния** бош айлангунча арғимчоқ учмоқ; арғимчоқ учаверіб боши айланиб кетмоқ; 2 (*несов.* **нака́чиваться**) *перен. прост.* роса ичмоқ, ичиб маст бўлмоқ.

www.ziyouz.com kutubxonasi

НАКА́ЧИВАТЬ *несов. см.* **накача́ть.**

НАКА́ЧИВАТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **накача́ться** 2; 2 *страд. от* **нака́чивать.**

НАКА́ЧК/А *ж* 1 *по гл.* **накача́ть**; 2 *прост.* танбеҳ, койиш; **получи́ть ~у за опозда́ние** кечиккани учун танбеҳ (гап) эшитмоқ.

НАКА́ШИВАТЬ *несов. см.* **накоси́ть.**

НАКВАСИ́ТЬ, -ашу́, -а́сишь *сов.* (*несов.* **наква́шивать**) *что* и *чего* бир миқдор тузламоқ, тузлаб қўймоқ; ~ **бо́чку капу́сты** бир бочка карам тузлаб қўймоқ.

НАКВА́ШИВАТЬ *несов. см.* **накваси́ть.**

НАКИДА́ТЬ *сов.* (*несов.* **наки́дывать** I) 1 *что чем* ташлаб (ирғитиб, отиб) тўлдирмоқ, уймоқ; ~ **по́лный я́щик песка́** қум ташлаб яшикни тўлдирмоқ; 2 *что* и *чего* отиб (ёйиб, сочиб) ташламоқ; ~ **на пол бума́ги** қоғозларни полга ёйиб (сочиб) ташламоқ.

НАКИ́ДКА *ж, р. мн.* **-док** 1 накидка (елкага ташлаб юриладиган енгсиз кийим); **мехова́я** ~ мўйна(ли) накидка; 2 накидка, ёпқич; **кружевна́я ~ на поду́шку** ёстиқ устига ёпиладиган тўр накидка; 3 *разг.* устига қўйилган, устама (нарх ва ҳ. к.); **сокраще́ние наки́док на това́ры** товарларнинг устама нархини камайтириш.

НАКИ́ДЫВАТЬ I *несов. см.* **накида́ть.**

НАКИ́ДЫВАТЬ II *несов. см.* **наки́нуть.**

НАКИ́ДЫВАТЬСЯ I, -ается *несов. страд. от* **наки́дывать** I.

НАКИ́ДЫВАТЬСЯ II *несов.* 1 *см.* **наки́нуться**; 2 *страд. от* **наки́дывать** II.

НАКИ́НУТЬ *сов.* (*несов* **наки́дывать** II) *что* 1 ташламоқ, ёпмоқ; ташлаб (ёпиб) қўймоқ; ~ **на спя́щего ребёнка одея́ло** ухлаб қолган бола устига адёл ташлаб қўймоқ; 2 наридан-бери кийиб (илиб, ташлаб, ёпиниб) олмоқ, ёпинмоқ; ~ **на го́лову плато́к** бошига рўмол ташлаб олмоқ; 3 ташламоқ, ташлаб илингирмоқ, солмоқ; ~ **крючо́к на пе́тлю** илмоқни измага солмоқ; 4 *разг.* устига қўймоқ, устама қилмоқ; ~ **два рубля́** устига икки сўм қўймоқ.

НАКИ́НУ/ТЬСЯ *сов.* (*несов.* **наки́дываться** II) *на кого-что* 1 ташланмоқ, ўзини отмоқ; ҳамла (човут) қилмоқ; **соба́ка ~лась на прохо́жего** ит йўловчига ташланди; 2 *разг.* жон-жаҳди билан ёпишмоқ, киришмоқ, астойдил ўзини урмоқ; **~ться на еду́** жон-жаҳди билан овқатга ёпишмоқ; **~ться на кни́ги** китобга ўзини урмоқ; мук тушиб китоб ўқий бошламоқ; 3 *разг.* ёғдирмоқ, ёпишмоқ, таламоқ, ёпиши́б кетмоқ; **~ться с упрёками** гина ёғдирмоқ, гинахонлик қилмоқ.

НАКИПА́ТЬ, -а́ет *несов. см.* **накипе́ть.**

НАКИПЕ́/ТЬ, -пи́т *сов.* (*несов.* **накипа́ть**) 1 қайнаб юзига чиқмоқ, кўпириб чиқмоқ; 2 қасмоқ босмоқ; **на дне кастрю́ли ~ло** кастрюлькани тагини қасмоқ босипти; 3 *перен.* тўлиб-тошмоқ (дард, алам, ғам ва ш. к. ҳақида); **на се́рдце ~ла не́нависть** юраги нафрат билан тўлиб тошди; **у него́ ~ло на душе́** унинг сабр косаси тўлиб тошди.

НАКИ́П/Ь *ж* 1 қайнаб чиққан кўпик; сардак; **снять ~ь с бульо́на** қайнатма шўрванинг кўпигини олмоқ; 2 накипь, қасмоқ (кўп қайнатилган идиш деворига ўтирган сополсимон қатлам); **очи́стить котёл от ~и** қозонни ўтириб қолган қатламдан (қасмоқдан) тозаламоқ.

НАКИПЯТИ́ТЬ, -ячу́, -ятишь *сов. что* и *чего* бир миқдор (сув ва ҳ. к.) қайнатмоқ, қайнатиб олмоқ (қўймоқ); ~ **самова́р воды́** бир самовар сув қайнатмоқ.

НАКЛА́Д *м:* **в ~е** *прост.* зиён (зарар) кўриб, синиб; **в ~е не оста́нешься** зиён (зарар) кўрмайсан.

НАКЛА́ДКА *ж, р. мн.* **-док** 1 *по гл.* **накла́дывать**; ~ **ка́льки на лист чертежа́** чизма листи устига калька қўйиш; 2 улама соч; парик; 3 қулфнинг бурнини беркитиб турадиган металл планка; 4 *спец.* накладка (бирор нарсани ёпиб турадиган устки қисми, детали); 5 *прост.* хато, янглиш; янглишиш.

НАКЛА́ДНО *в знач. сказ. прост.* зиён (зарар) бўлади, фойда бермайди; зарар келтиради; **э́то ему́ бу́дет** ~ бу нарса (иш ва ҳ. к.) унга зарар бўлади; бу нарсадан у зарар кўради.

НАКЛА́ДН/ОЙ, -а́я, -о́е 1 қоплама, ёпиштирма, устига қопланган (қопланадиган); **~ы́е карма́ны** ёпиштирма чўнтаклар; **ло́жка ~о́го серебра́** кумуш қопланган қошиқ; 2 ясама, улама; **~ы́е усы́** ясама мўйлов; 3 *в знач. сущ.* **~а́я** *ж* накладной (юкка, молга қўшиб юбориладиган ҳужжат); **получи́ть груз по ~о́й** накладной бўйича (билан) юк олмоқ; ✦ **~ы́е расхо́ды** қўшимча харажатлар, чиқимлар.

НАКЛА́ДЫВАТЬ *несов. см.* **наложи́ть** и **накла́сть.**

НАКЛА́СТЬ, -а́ду, -адёшь *сов.* (*несов.* **накла́дывать**) *что, чего* и *кому-чему прост. то же, что* **наложи́ть** 3, 7; ~ **по́лную корзи́ну я́блок** саватга тўлдириб олма солмоқ; ~ **по ше́е** бўйнига туширмоқ (урмоқ, солмоқ).

НАКЛЁВ *м спец.* 1 *по гл.* **наклю́нуть — наклёвывать**; 2 очиб чиқаётган жўжанинг тухумни чўқилаб ёрган жойи.

НАКЛЕВА/ТЬ, -клюёт *сов.* (*несов.* **наклёвывать**) 1 *что* и *чего разг.* чўқилаб емоқ: чўқилаб еб қўймоқ; 2 сал чўқиламоқ, чўқилаб ташламоқ, чўқиб кетмоқ, чўқилаб заха қилмоқ; **воробьи́ ~ли чере́шню** чумчуқлар гилосни чўқилаб ташлабди.

НАКЛЕВА/ТЬСЯ, -клюётся *сов. чего* чўқилаб еб қўймоқ (тўймоқ); чўқилаб тўйгунча емоқ; **ку́ры ~лись зерна́** товуқлар донни чўқилаб тўйишди.

НАКЛЕВЕТА́ТЬ, -ещу́, -е́щешь *сов. на кого* роса туҳмат (бўҳтон) қилмоқ, чандимоқ; ~ **на сосе́да** қўшнисини роса чандимоқ.

НАКЛЁВЫВАТЬ, -ает *несов. см.* **наклева́ть** и **наклю́нуть.**

НАКЛЁВЫВАТЬСЯ, -ается *несов.* 1 *см.* **наклю́нуться**; 2 *страд. от* **наклёвывать.**

НАКЛЕ́ИВАТЬ *несов. см.* **наклеи́ть.**

НАКЛЕ́ИВАТЬСЯ, -ается *несов.* 1 *см.* **наклеи́ться**; 2 *страд. от* **наклеи́вать.**

НАКЛЕ́ИТЬ *сов.* (*несов.* **наклеи́вать**) 1 *что* ёпиштирмоқ, ёпиштириб қўймоқ; ~ **ма́рку на конве́рт** конвертга марка ёпиштирмоқ; 2 *что* и *чего* ёпиштириб (елимлаб) бир миқдор нарса тайёрламоқ, ясамоқ; ~ **мно́го игру́шек** елимлаб кўп ўйинчоқлар ясамоқ.

НАКЛЕ́И/ТЬСЯ *сов.* (*несов.* **наклеи́ваться**) *разг.* ёпишмоқ, ёпишиб қолмоқ; **ма́рка хорошо́ ~лась** марка яхши ёпишди.

НАКЛЕ́ЙК/А *ж, р мн.* **-е́ек** 1 *по гл.* **наклеи́ть** 1; ~**а афи́ш** афишалар ёпиштириш; 2 наклейка (ёпиштирилган нарса, қоғоз, этикетка ва ш. к.); **буты́лка с ~ой** этикеткали бутилка; 3 *театр.* ясама соқол, мўйлов, қош ва ш. к.

НАКЛИ́КАТЬ *сов.* (*несов.* **наклика́ть** и **накли́кивать**) *что* и *чего* чақирмоқ, совуқ нафас қилиб бир бало орттирмоқ (диний-хурофий тасаввурда); ~ **беду́** совуқ нафас қилиб бало чақирмоқ.

НАКЛИКА́ТЬ *несов. см.* **накли́кать.**

НАКЛИ́КИВАТЬ *несов. см.* **накли́кать.**

НАКЛО́Н *м* 1 *по гл.* **наклони́ть** и **наклони́ться**; 2 қиялик, нишаблик; нишаб; **небольшо́й** ~ сал қиялик, сал нишаблик; **у́гол ~а** қиялик бурчаги; 3 қия (нишаб) жой, қиялик; **е́хать по ~у горы́** тоғ қияликларидан юрмоқ; ✦ **в ~** энгашиб, энгаштириб.

НАКЛОНЕ́НИЕ I *с грам.* майл; **усло́вное ~** шарт майли.

НАКЛОНЕ́НИЕ II *с по гл.* **наклони́ть** и **наклони́ться**; ~ **головы́** бошни энгаштириш; ✦ **магни́тное ~** *см.* **магни́тный.**

НАКЛОНИ́ТЬ *сов.* (*несов.* **наклоня́ть**) *что* эгмоқ, энгаштирмоқ; ~ **го́лову** бошни эгмоқ (энгаштирмоқ); ~ **ве́тку** шохни эгмоқ.

НАКЛОНИ́/ТЬСЯ *сов.* (*несов.* **наклоня́ться**) эгилмоқ, энгашмоқ; **~ться над ребёнком** болага энгашмоқ; **ве́тви ~лись** шохлар эгилди (эгилиб кетди, кетибди).

НАКЛО́ННОСТ/Ь *ж* 1 майл, ҳавас, иштиёқ; ҳаваскорлик; мойиллик; **~ь к му́зыке** музикага бўлган ҳавас; 2 *мн.* **~и** одат, хислат, қилиқ; **у него́ дурны́е ~и** унинг ёмон одатлари бор.

НАКЛО́НН/ЫЙ, -ая, -ое; -о́нен, -о́нна 1 қия, нишаб; **~ая пло́скость** қия текислик; 2 *уст.* **мойи́л**, мойиллиги бор; **челове́к, ~ый к пра́здной жи́зни** бекорчиликка (ишламай яшашга) мойиллиги бор одам; ✦ **кати́ться по ~ой пло́скости** пастлашиб бормоқ; разиллашиб кетмоқ.

НАКЛОНЯ́ТЬ *несов. см.* **наклони́ть.**

НАКЛОНЯ́ТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **наклони́ться**; 2 *страд. от* **наклоня́ть.**

www.ziyouz.com kutubxonasi

НАКЛЮКАТЬСЯ *сов. груб. прост.* роса (ўлгудай) ичмоқ, ичиб (отиб) олмоқ, ичиб маст бўлмоқ.

НАКЛЮНУТЬ, -нет *сов.* (*несов.* **наклёвывать**) *что* и *без доп.* чўқилаб тешмоқ (очиб чиқаётган жўжа ҳақида).

НАКЛЮНУ/ТЬСЯ, -нется *сов.* (*несов.* **наклёвываться**) 1 тухумдан чиқмоқ, тухумни очиб чиқмоқ; **птенец ~лся** жўжа тухумни очиб чиқди (чиқибди); 2 *перен.* бўртмоқ, бўртиб (кўриниб) қолмоқ, ниш урмоқ; **на черёшнях ~лись пёрвые по́чки** гилосларда илк куртаклар кўриниб қолди; 3 *перен. прост.* тасодифан дуч келмоқ, йўлиқмоқ, учрамоқ, чиқиб қолмоқ; **~лось подходя́щее де́ло** қулай иш чиқиб қолди.

НАКЛЯУЗНИЧАТЬ *сов. прост.* кимса устида гап (ғийбат, иғво) қилмоқ, фисқ-фасод тарқатмоқ.

НАКОВА́ЛЬН/Я *ж, р. мн.* **-лен** 1 сандон; 2 *анат.* сандон, ички тоғай (қулоқда); 3 *спец.* сандон (гильзанинг пистон чақиладиган жойи); ✦ **ме́жду мо́лотом и ~ей** *см.* **мо́лот.**

НАКОВА́ТЬ, -кую́, -куёшь *сов.* (*несов.* **нако́вывать**) 1 *что* болғалаб (чўкичлаб) ўрнатмоқ, ўтказмоқ; 2 *что* и *чего* болғалаб (чўкичлаб) бир миқдор тайёрламоқ, тайёрлаб қўймоқ, ясамоқ; **~ мно́го гвоздей́** кўп мих ясамоқ.

НАКО́ВЫВАТЬ *несов. см.* **накова́ть.**

НАКО́ЖН/ЫЙ, -ая, -ое терида бўладиган, тери устидаги, бадандаги; тери...; **~ая сы́пь** баданга чиққан (чиқадиган) тошма (иссиқлик); **~ые боле́зни** тери касалликлари.

НАКОКСОВА́ТЬ, -су́ю, -су́ешь *сов. что* и *чего* бир миқдор кўмир кокламоқ, кокслаб қўймоқ.

НАКОЛА́ЧИВАТЬ *несов. см.* **наколоти́ть.**

НАКОЛДОВА́ТЬ, -ду́ю, -ду́ешь *сов.* (*несов.* **наколдо́вывать**) *что* и *чего* жоду (сеҳр) қилиб қўймоқ, аврамоқ, дам солмоқ.

НАКОЛДО́ВЫВАТЬ *несов. см.* **наколдова́ть.**

НАКОЛЕ́ННИК *м* 1 тиззабанд (иссиқ тутиш ёки зарбдан сақлаш учун тиззага боғланадиган, кийиладиган нарса); 2 тизза совути, тиззага кийиладиган совут.

НАКОЛЕ́НН/ЫЙ, -ая, -ое тиззага боғланадиган, тиззага кийиладиган; **~ая повя́зка** тиззабанд.

НАКО́ЛКА *ж, р. мн.* **-лок** 1 *по гл.* **наколо́ть** II, 2, 4; 2 наколка (аёллар сочига тақиладиган мато ёки тўр безак); 3 *прост. то же, что* **татуиро́вка.**

НАКОЛО́ТИТЬ, -очу́, -о́тишь *сов.* (*несов.* **наколо́чивать**) 1 *что на что* уриб (қоқиб) киргизмоқ, кийгизмоқ, кийдирмоқ; **~ о́бручи на бо́чку** бочкага чамбарак (гардиш) кийдирмоқ; 2 *что на что разг.* михлаб қўймоқ, қоқиб (маҳкамлаб) қўймоқ; **~ ло́зунг на воро́тах** дарвозага шиорни михлаб (қоқиб) қўймоқ; 3 *что* и *чего разг.* бир миқдор қоқмоқ, қоқиб ташламоқ, қоқиб қўймоқ; **~ в сте́ну гвозде́й** деворга мих қоқиб ташламоқ; 4 *что* и *чего* бир миқдор синдирмоқ, синдириб қўймоқ, синдириб ташламоқ; **~ посу́ды** кўп идиш синдирмоқ; 5 *что* и *кого-чего прост.* бир миқдор отиб туширмоқ, овлаб олмоқ; **~ мно́го ди́чи** кўп илвасин отиб туширмоқ; 6 *кого прост.* қаттиқ урмоқ, калтакламоқ, дўппосламоқ, пўстагини қоқмоқ; 7 *перен. что* и *чего прост.* тўпламоқ, йиғмоқ, жамғармоқ; **~ капита́л** капитал жамғармоқ.

НАКОЛО́ТЬ I *сов.* (*несов.* **нака́лывать** I) *что* и *чего* бир миқдор майдаламоқ, ушатмоқ; ёрмоқ; майдалаб (ёриб, ушатиб) қўймоқ; **~ са́жень дров** бир саржин ўтин ёриб қўймоқ.

НАКОЛО́ТЬ II *сов.* (*несов.* **нака́лывать** II) 1 *что* санчиб олмоқ, кириб кетмоқ; **~ игóлкой па́лец** қўлига нина санчиб олмоқ, қўлига нина кириб кетмоқ; 2 *что на что* қадамоқ, тўғнамоқ, санчмоқ, тўғнаб (санчиб, қадаб) қўймоқ; **~ на шля́пу цветы́** шляпага гул қадаб қўймоқ; 3 *что* и *чего* бир миқдор нарса қадамоқ, қадаб (санчиб) ташламоқ; **~ була́вок в поду́шечку** ёстиқчага тўғноғичлар қадаб қўймоқ (ташламоқ); 4 *кого-чего* бир миқдор сўймоқ, сўйиб олмоқ (қўймоқ); **~ двух гусе́й** иккита ғоз сўймоқ; 5 *что* и *чего* тешиб-тешиб (санчиб-санчиб) гул (нақш, расм) солмоқ, нусха туширмоқ; **~ узо́р для вы́шивки** кашта тикиш учун санчиб-санчиб нусха солмоқ; 6 *что* тешиб-тешиб қўймоқ, ниш (ниҳа) урмоқ, нина(ниш) билан санчиб-санчиб чиқмоқ; **~ ви́шню** олчаларга ниш уриб чиқмоқ.

НАКОЛО́ТЬСЯ *сов.* урилиб (тегиб кетиб, босиб олиб) игна (тикан ва ҳ. к.) қадалмоқ, санчиб олмоқ; **~ на иго́лку** урилиб нина санчиб олмоқ.

НАКОМА́РНИК *м* чивин ниқоб (чивиндан юз-кўзни сақлаш учун кийиладиган тўр ниқоб).

НАКОНЕ́Ц 1 *нареч.* ниҳоят, охир, охири, ахийри, натижада, провардида, алҳосил; **он дога́дался ~** у ниҳоят пайқади (тушунди); **ещё одно́ уси́лие и ~ мы у це́ли** яна бир зўр берсак, ниҳоят мақсадга эришамиз; 2 *вводн. сл.* яна, тағин, бундан ташқари, ахир, ниҳоят; **шли, шли и, ~, дошли́** йўл юрдик, йўл юрсак ҳам мўл юрдик, ниҳоят етиб олдик; **для о́тдыха мо́жно, ~, съе́здить за го́род** дам олиш учун шаҳардан ташқарига борилса ҳам бўлади-ку, ахир; 3 *вводн. сл.* норозилик, тоқатсизланиш каби кайфиятларни ифодалайди; **убира́йся, ~!** йўқол-э!; йўқоласанми йўқми, ахир!; ✦ **~ (то)!** *в знач. межд.* хайрият!, яхшики!; ахир!; **~ (то) вы пришли́** хайрият келиб қолдингиз!; келар кунингиз ҳам бор экан!

НАКОНЕ́ЧНИК *м* пойнак, учлик; **но́жны с ~ом** пояклик қин.

НАКОПА́ТЬ *сов.* (*несов.* **нака́пывать** II) *что* и *чего* 1 бир миқдор (чуқур, ўра ва ҳ. к.) қазимоқ, қазиб (ўйиб) қилмоқ; **~ киломе́тр транше́и** бир километр траншея қазимоқ; 2 бир миқдор ковлаб (қазиб) олмоқ; ковламоқ; **~ мешо́к карто́феля** бир қоп картошка ковламоқ.

НАКОПИ́ТЕЛЬ *м* 1 бойлик тўпловчи, дунёпараст; 2 *спец.* тўплагич; **~ эне́ргии** энергия тўплагич.

НАКОПИ́ТЕЛЬСТВО *с* бойлик орттириш, дунёпарастлик.

НАКОПИ́ТЬ *сов.* (*несов.* **копи́ть, нака́пливать, накопля́ть**) *что* и *чего* 1 жамғармоқ, орттирмоқ, тўпламоқ; **~ де́нег** пул тўпламоқ; 2 *перен.* орттирмоқ, олмоқ, ҳосил қилмоқ; **~ о́пыт** тажриба орттирмоқ.

НАКОПИ́/ТЬСЯ, -о́пится *сов.* (*несов.* **копи́ться, нака́пливаться, накопля́ться**) 1 жамғарилмоқ, тўпланмоқ, йиғилмоқ; тўпланиб (йиғилиб) қолмоқ; **~лись де́ньги** пул жамғарилди (тўпланиб қолди); 2 *перен.* ортмоқ, тўпланмоқ, йиғилиб қолмоқ; **~лся о́пыт** тажриба тўпланди (орттирилди); **у меня́ накопи́лось мно́го дел** ишим йиғилиб қолди.

НАКОПЛЕ́НИ/Е *с* 1 *по гл.* **накопи́ть** и **накопи́ться; ~е зна́ний** билим тўплаш; билимларнинг тўпланиши; 2 *мн.* **~я** жамғарма, тўпланган (жамғарилган) нарса; **больши́е ~я** катта жамғарма; **сверхпла́новые ~я** пландан ташқари жамғарма.

НАКОПЛЯ́ТЬ *несов. см.* **накопи́ть.**

НАКОПЛЯ́ТЬСЯ, -я́ется *несов.* 1 *см.* **накопи́ться;** 2 *страд. от* **накопля́ть.**

НАКОПТИ́/ТЬ, -пчу́, -пти́шь *сов.* 1 (*несов.* **нака́пчивать**) *что* и *чего* дудламоқ, дудга тутиб бир миқдор қорайтирмоқ; **~ть стёкол** ойналарни дудга тутиб қорайтирмоқ; 2 (*несов.* **нака́пчивать**) *что* и *чего* бир миқдор дудламоқ, дудлаб қуритмоқ, қоқламоқ, сурламоқ; **~ть я́щик ры́бы** бир яшик балиқ дудламоқ; 3 (*несов.* **копти́ть** 1) тутамоқ; тутаб ёнмоқ; тутаб (тутатиб) ис (тутун) бостирмоқ; **~ла** чироқ тутаб кетди (кетибди); **~ть ко́мнату кероси́нкой** керосинка ёқиб уйни тутун бостирмоқ.

НАКОРМИ́ТЬ, -ормлю́, -о́рмишь *сов.* (*несов.* **корми́ть**) *кого-что* 1 ем бермоқ, овқат бермоқ; **~ верблю́да** туяга ем бермоқ; 2 овқатлантирмоқ, едирмоқ, едириб қўймоқ; эмизмоқ; тўйғизмоқ; **~ больно́го** беморни овқатлантирмоқ; **~ ребёнка** болани эмизмоқ; 3 *перен.* боқмоқ, ўз қарамоғида катта қилмоқ; **~ и пригре́ть сироту́** етимнинг бошини силамоқ ва катта қилмоқ.

НАКОРО́ТКЕ *нареч. прост.* 1 яқин масофада, яқинда, яқиндан, яқин масофадан; 2 қисқа вақтда, қисқа вақт ичида, тезда, тез; 3 қисқа вақтга; ✦ **~ *с кем*** дўстона (яқин) муносабатда, апоқ-чапоқ.

НАКОСИ́ТЬ, -ошу́, -о́сишь *сов.* (*несов.* **нака́шивать**) *что* и *чего* бир миқдор ўрмоқ, ўриб олмоқ, ўриб қўймоқ; **~ воз травы́** бир арава ўт ўрмоқ.

НАКОСТН/ЫЙ, -ая, -ое суяк устида бўладиган, суяк устидаги; суяк усти...; **~ая о́пухоль** суяк усти шиши.

НАКРА́ДЫВАТЬ *несов. см.* **накра́сть.**

НАКРА́ИВАТЬ *несов. см.* **накрои́ть.**

www.ziyouz.com kutubxonasi

НАКРАПЫВА/ТЬ, -ает *несов.* томчиламоқ, томчилаб ёғмоқ; **дождь ~ет** ёмғир томчиламоқда (томчилаб турипти).

НАКРАСИТЬ, -а́шу, -а́сишь *сов.* (*несов.* **накра́шивать**) 1 *что* бўямоқ, бўёқ (упа-элик) суртмоқ, бўянмоқ; ~ **гу́бы** лабини бўямоқ; 2 *что* и *чего* бир миқдор нарса бўямоқ, бўяб қўймоқ; ~ **я́иц** тухум бўямоқ.

НАКРАСИТЬСЯ, -а́шусь -а́сишься *сов.* (*несов.* **накра́шиваться**) бўянмоқ, пардоз қилмоқ, бўяниб, бўёқ (упа-элик) суртиб олмоқ; ~ **до неприли́чия** одобдан ташқари бўяниб олмоқ.

НАКРАСТЬ, -аду́, -адёшь *сов.* (*несов.* **накра́дывать**) *что* и *чего* бир миқдор нарса ўғирламоқ, ўғирлаб олмоқ, ўғирлик билан топмоқ.

НАКРАХМА́ЛИТЬ *сов.* (*несов.* **крахма́лить**) *что* и *чего* крахмалламоқ, охор бермоқ, охор бериб (крахмаллаб) қўймоқ; ~ **бельё** ич кийимларни крахмалламоқ; ~ **воротничко́в** ёқаларни крахмалламоқ.

НАКРА́ШИВАТЬ *несов. см.* **накра́сить.**

НАКРА́ШИВАТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **накра́ситься**; 2 *страд. от* **накра́шивать.**

НАКРЕНИ́/ТЬ *сов.* (*несов.* **накреня́ть**) *что* қийшайтирмоқ, энгаштирмоқ, ёнбошлатмоқ, оғдирмоқ; **ве́тер ~л су́дно** шамол кемани оғдириб юборди; **ло́дку ~ло** қайиқ оғиб кетди.

НАКРЕНИ́/ТЬСЯ, -и́тся *сов.* (*несов.* **крени́ться** и **накреня́ться**) қийшаймоқ, энгашмоқ, ёнбошламоқ, оғмоқ; **де́рево ~лось** дарахт энгашиб қолди; **кора́бль ~лся** кема оғиб кетди.

НАКРЕНЯ́ТЬ *несов. см.* **накрени́ть.**

НАКРЕНЯ́ТЬСЯ, -я́ется *несов.* 1 *см.* **накрени́ться**; 2 *страд. от* **накреня́ть.**

НАКРЕПКО *нареч.* 1 маҳкам қилиб, маҳкамлаб, мустаҳкамлаб, чандиб, қаттиқ, чамбарчас; ~ **заби́ть дверь** эшикни маҳкамлаб бекитиб ташламоқ; 2 *разг.* жуда, ниҳоятда, қаттиқ; ~ **привяза́лся к вну́ку** набирасига жуда боғланиб (ўрганиб) қолди; 3 *разг.* қатъий равишда, қатъиян, қатъий, қатъийлик билан; **приказа́ть** ~ қатъий равишда буюрмоқ; ✦ **кре́пко-**~ *см.* **кре́пко.**

НАКРЕСТ *нареч.* бир-бирига кўндаланг қилиб, бир-бири билан кесиштириб, чалиштириб, устма-уст қилиб, крестга ўхшатиб; **повяза́ть плато́к** ~ рўмолни чалиштириб (икки қўлтиқдан ўтказиб) боғламоқ; **поджа́ть но́ги** ~ чордана қуриб ўтирмоқ; ✦ **крест-**~ *см.* **крест.**

НАКРИЧА́ТЬ *сов.* 1 *на кого-что* бақириб (ўшқириб) бермоқ, бақириб койиб ташламоқ, дўқ урмоқ, дағдаға қилмоқ; 2 *что* и *чего* бақириб-чақириб гапирмоқ, бор овозини қўйиб валдирамоқ; ~ **вся́ких глу́постей** бор овозини қўйиб бўлар-бўлмас гапларни айтмоқ.

НАКРИЧА́ТЬСЯ *сов. разг.* кўп бақирмоқ, бақираверіб чарчамоқ.

НАКРОИ́ТЬ *сов.* (*несов.* **накра́ивать**) *что* и *чего* бир миқдор нарса бичмоқ, бичиб қўймоқ; ~ **белья́** бир қанча кўйлак-иштон (ич кийим) бичмоқ.

НАКРОМСА́ТЬ *сов. что и чего разг.* майдалаб (қиймалаб, қийқимлаб) ташламоқ, бурдаламоқ, тилиб-тилиб ташламоқ, тўғраб қўймоқ; ~ **бума́ги** қоғозни бурдалаб ташламоқ.

НАКРОПА́ТЬ *сов.* (*несов.* **кропа́ть**) *что* и *чего разг.* бўлар-бўлмас нарсалар ёзмоқ, бемаъни нарсалар ёзиб ташламоқ; ~ **стихи́** бўлар-бўлмас шеър ёзмоқ.

НАКРОШИ́ТЬ *сов.* (*несов.* **крошить** 1, 2) 1 *что* и *чего* майдалаб (бурдалаб) ташламоқ, майдалаб (ушатиб) қўймоқ; ~ **мя́са** гўштни майдалаб (тўғраб) қўймоқ; 2 увоқ-ушоқ тўкиб ивирситмоқ; ~ **на столе́** столни увоқ-ушоқ билан ивирситмоқ.

НАКРУТИ́ТЬ, -учу́, -у́тишь *сов.* (*несов.* **накру́чивать**) 1 *что* ўрамоқ, ўраб қўймоқ; ~ **на па́лку шпага́т** таёққа каноп ўрамоқ; 2 *что разг.* бурамоқ, бураб киргизмоқ; ~ **га́йку на болт** гайкани болтга бурамоқ; 3 *что* и *чего* бир миқдор эшмоқ, пишитмоқ; эшиб (ўриб, чийраб) қўймоқ, тайёрламоқ; ~ **мно́го верёвок** анча арқон эшмоқ; 4 *перен. что* и *чего прост.* ўйлаб чиқармоқ; тўқимоқ; гапириб (ёки **ёзиб) ташламоқ; ~ вся́ких у́жасов** ҳар хил даҳшатли нарсаларни ўйлаб чиқармоқ; ✦ ~ **хвост** *кому. прост.* думини босиб қўймоқ; койиб (уришиб) қўймоқ; адабини бермоқ.

НАКРУТИ́/ТЬСЯ, -учу́сь, -у́тишься *сов.* (*несов.* **накру́чиваться**) 1 ўралмоқ, буралмоқ; **ни́тка ~лась на кату́шку** ип ғалтакка ўралди; 2 *перен. прост.* кўп уринмоқ, овора бўлмоқ; югуриб елмоқ; **уста́л, ~лся за́ день** кун бўйи уриниб (югуриб-елиб) роса чарчадим.

НАКРУЧИВА́ТЬ *несов.* 1 *см.* **накрути́ть**; 2 *разг.* қаттиқ (ёки кўп) айлантирмоқ, бурамоқ; ҳадеб айлантира (бурай) бермоқ; ~ **усы́** мўйловни бурайвермоқ (бураб ўтирмоқ).

НАКРУЧИВАТЬСЯ, -ается *несов.* 1 *см.* **накрути́ться** 1; 2 *страд. от* **накру́чивать.**

НАКРЫВА́ТЬ *несов. см.* **накры́ть.**

НАКРЫВА́ТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **накры́ться**; 2 *страд. от* **накрыва́ть.**

НАКРЫТИЕ *с воен.* тўп отиб (ёки бомба ташлаб) зарба бериш, шикаст етказиш, яксон қилиш.

НАКРЫ/ТЬ, -ро́ю, -ро́ешь *сов.* (*несов.* **накрыва́ть**) 1 *кого-что* устини ёпмоқ, устига ёймоқ, ёзмоқ, солмоқ, тўшамоқ; ~**ть стол ска́тертью** столга дастурхон ёзмоқ; 2 *кого-что* қоплаб олмоқ, бекитмоқ, босмоқ; **ло́дку ~ло волно́й** қайиқни тўлқин босди (кўмиб кетди); 3 *кого разг.* тутмоқ, ушламоқ, босмоқ; тутиб (ушлаб) олмоқ, устидан чиқиб қолмоқ; ~**ть на ме́сте преступле́ния** жиноят устида тутиб олмоқ; 4 *что воен.* нақ ўзига (мўлжалга) урмоқ (тўп, замбарак ўқ, бомба отиб); ~**ть артиллери́йским огнём** артиллерия ўтини нақ мўлжалнинг устига ёғдирмоқ; ✦ ~**ть (на) стол** столга дастурхон ёзмоқ, дастурхон ёзиб ясатмоқ.

НАКРЫ́ТЬСЯ, -ро́юсь, -ро́ешься *сов.* (*несов.* **накрыва́ться**) 1 ёпиб олмоқ, ёпинмоқ, ёпиниб (бурканиб, ўраниб) олмоқ; ~ **одея́лом** устига адёл ёпиб олмоқ; адёлга бурканиб олмоқ; 2 *уст.* бош кийимини кийиб олмоқ.

НАКТОУЗ *м мор.* нактоуз (денгиз компасининг қутиси).

НАКУКОВАТЬ, -ку́ет *сов. что* и *без доп. разг.* каккулаб (сайраб) бировнинг неча ёшга киришини айтиб бермоқ.

НАКУПА́ТЬ I *несов. см.* **накупи́ть.**

НАКУПА́ТЬ II *сов. кого* роса (яхшилаб) чўмилтирмоқ, ювинтирмоқ; ~ **дете́й в ва́нне** болаларни ваннада яхшилаб чўмилтирмоқ.

НАКУПА́ТЬСЯ I *несов.* 1 *см.* **накупи́ться** 2; 2 *страд. от* **накупа́ть** I.

НАКУПА́/ТЬСЯ II *сов. разг.* роса (тўйиб, мириқиб) чўмилмоқ, ювинмоқ, чўмилишга тўймоқ; ~**лись в ре́чке** дарёда роса чўмилдик.

НАКУПИ́ТЬ, -уплю́, -у́пишь *сов.* (*несов.* **накупа́ть** I) *что* и *чего* бир миқдор нарса сотиб олмоқ, харид қилмоқ; ~ **ну́жных книг** керакли китобларни сотиб олмоқ.

НАКУПИ́ТЬСЯ, -уплю́сь, -у́пишься *сов.* 1 *чего прост.* керагича харид қилмоқ, сотиб олмоқ; **на всех не наку́пишься** ҳаммага сотиб олиб етказиб бўлмайди; 2 (*несов.* **накупа́ться** I) *на что разг. уст.* ўзига ўзи сотиб олмоқ, орттирмоқ; **На гру́бость с ни́ми (власти́ми)** ~ **о́чень легко́** (Герцен) Улардан (ҳокимлардан) қўпол гап эшитиш жуда осон.

НАКУРЕНН/ЫЙ, -ая, -ое 1 *прич. от* **накури́ть**; 2 *в знач. прил.* чекавериб тутун бостирилган, тутунга тўлган, тутун босган; ~**ое помеще́ние** чекавериб тутун бостирилган хона.

НАКУРИВА́ТЬ *несов. см.* **накури́ть.**

НАКУРИВА́ТЬСЯ *несов. см.* **накури́ться.**

НАКУРИ́/ТЬ *сов.* (*несов.* **наку́ривать**) 1 *чем* и *без доп.* чекавериб тутун қилмоқ, тутунга тўлдирмоқ; тутун бостирмоқ; **в ко́мнате так ~ли табако́м, что не́чем дыша́ть** тамаки чекавериб хонани шундай тутун бостиришибдики, нафас олиб бўлмайди; 2 *чем* хушбўй нарса тутатмоқ; нарса тутатиб хушбўй қилмоқ; хушбўй ис тараттмоқ; ~**ть ве́реском** арчагул тутатиб хушбўй қилмоқ; 3 *что* и *чего* бир миқдор нарса тортмоқ, ҳайдамоқ; ~**ть че́тверть вина́** бир чирпит вино ҳайдамоқ (тортмоқ); ~**ть бо́чку смолы́** бир бочка смола тортмоқ.

НАКУРИ́ТЬСЯ *сов.* чекиб хумордан чиқмоқ, роса (қониб) чекмоқ, чекиб олмоқ.

www.ziyouz.com kutubxonasi

НАКУРОЛЕ́СИТЬ *сов. прост.* шўхлик (бебошлик) қилиб ишкал чиқармоқ, ташвиш орттирмоқ, ташвишга солмоқ.

НАКУСА́/ТЬ *сов.* (*несов.* **накýсывать**) 1 *кого-что* таламоқ, чақиб ташламоқ; **слепни́ ~ли быка́** сўнапашшалар буқани чақиб ташлади; **комары́ ~ли ру́ки** қўлларни чивин чақиб ташлади; 2 *что* и *чего* тишлаб-тишлаб майдаламоқ; майдалаб қўймоқ; **~ть са́хару** қандни тишлаб-тишлаб майдалаб қўймоқ.

НАКУСЫВАТЬ *несов. см.* **накуса́ть.**

НАКУТА́ТЬ *сов.* (*несов.* **наку́тывать**) 1 *что* и *чего* ўрамоқ, ўраб ташламоқ; **~ на ребёнка тёплых вещёй** болани иссиқ нарсаларга ўраб ташламоқ; 2 *кого прост.* жуда иссиқ кийинтирмоқ; ўраб (бўриқтириб) юбормоқ; **~ больно́го** беморни жуда иссиқ кийинтирмоқ, иссиқ кийинтириб бўриқтириб юбормоқ.

НАКУТА́ТЬСЯ *сов.* (*несов.* **наку́тываться**) *прост.* ўралмоқ, ўраниб-бурканиб олмоқ.

НАКУТЫВАТЬ *несов. см.* **наку́тать.**

НАКУТЫВАТЬСЯ *несов. см.* **наку́таться.**

НАКУШАТЬСЯ *сов.* 1 *чего* и *без доп. разг.* роса емоқ, еб олмоқ; **~ до́сыта** тўйгунча емоқ; 2 *чего уст.* и *прост.* роса ичмоқ, ичиб олмоқ (кофе, чой ва ш. к. ни); **~ ча́ю** роса чой ичмоқ.

НАЛА́ВЛИВАТЬ *несов. см.* **наловúть.**

НАЛАГА́ТЬ *несов. см.* **наложúть** 6.

НАЛА́ДИТЬ, -а́жу, -а́дишь *сов.* (*несов.* **нала́живать**) *что* 1 тўғриламоқ, тузатмоқ, созламоқ; **~ часы́** соатни тузатмоқ; **~ станки́** станокларни созламоқ; 2 ташкил қилмоқ, йўлга қўймоқ, ўрнатмоқ; ишга солиб (юргизиб) юбормоқ; **~ произво́дство маши́н** машиналар ишлаб чиқаришни ташкил қилмоқ; **~ де́ло** ишни йўлга қўймоқ; **~ сотру́дничество** ҳамкорлик ўрнатмоқ; 3 *разг. муз.* созламоқ; **~ гита́ру** гитарани созламоқ; 4 *перен.* ҳафсала (истак, хоҳиш) пайдо қилмоқ, ўзини бирор ишга чоғламоқ, отлантирмоқ; **~ себя́ на преодоле́ние тру́дностей** қийинчиликларни енгишга азм-қарор қилмоқ; 5 *что* и *без доп.* бир гапни қайтаравермоқ, чайнамоқ.

НАЛА́ДИ/ТЬСЯ, -а́жусь, -а́дишься *сов.* (*несов.* **нала́живаться**) 1 тўғриланмоқ, тузалмоқ, йўлга тушмоқ, тартибга келмоқ; **здоро́вье ~лось** соғлиқ тузалди; **рабо́та ~лась** иш йўлга тушди; 2 юзага келмоқ, ўрнашмоқ, бўлиб қолмоқ; **с сосе́дями у меня́ ~лись до́брые отноше́ния** қўшнилар билан алоқамиз яхши бўлиб қолди; 3 жазм қилмоқ, ҳафсаласи келиб қолмоқ, ҳафсала қилмоқ; **~ться на рабо́ту** ишга ҳафсаласи келиб қолмоқ; **е́сли ~лись, начина́йте** без промедле́ния ҳафсалангиз келиб турган бўлса, дарҳол ишга киришаверинг.

НАЛА́ДКА *ж тех. по гл.* **нала́дить** 1; **~ станко́в** станокларни созлаш.

НАЛА́ДОЧНЫ/Й, -ая, -ое *тех.* созлашга оид; созлаш учун хизмат қиладиган; созлаш...; **~е рабо́ты** созлаш ишлари; **~й инструме́нт** созлаш асбоби.

НАЛА́ДЧИК *м* наладкачи, созловчи.

НАЛА́ДЧИЦА *ж см.* **нала́дчик.**

НАЛА́ЖЕННОСТЬ *ж* яхши йўлга қўйилганлик, тартибга солинганлик, тартиблилик; **~ рабо́ты** ишнинг яхши йўлга қўйилганлиги.

НАЛА́ЖЕНН/ЫЙ, -ая, -ое 1 *прич. от* **нала́дить** 1—3; 2 *в знач. прил.* яхши йўлга қўйилган, йўлга тушган, тартибга солинган, тартибли, батартиб; **~ая жизнь** йўлга тушган ҳаёт; **~ая рабо́та** яхши йўлга қўйилган иш.

НАЛА́ЖИВАНИЕ *с по гл.* **нала́живать** и **нала́живаться; ~ телеви́зора** телевизорни тузатиш; **~ пра́вильных взаимоотноше́ний в коллекти́ве** коллективда тўғри муносабатлар ўрнатиш.

НАЛА́ЖИВАТЬ *несов. см.* **нала́дить.**

НАЛА́ЖИВАТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **нала́диться; 2** *страд. от* **нала́живать.**

НАЛАКА/ТЬСЯ *сов.* 1 хўп еб-ичмоқ, тўйиб ичмоқ ёки емоқ (ҳайвонлар ҳақида); **ко́шка ~лась молока́** мушук роса сутга тўйди; 2 *груб. прост.* ўлгудай ичмоқ, ичиб маст бўлмоқ.

НАЛАМЫВАТЬ *несов. см.* **наломáть.**

НАЛЕ́ВО *нареч.* 1 чапга, чап томонга, сўлга; **пойти́ ~** чап томонга қараб кетмоқ; 2 чапда, чап томонда; **~ виднéлось о́зеро** чап томонда кўл кўриниб туради; 3 *прост.* четга; **продáть товáр ~** молни четга сотмоқ.

НАЛЕГА́ТЬ *несов. см.* **налéчь.**

НАЛЕГКЕ́ *нареч.* 1 салт, юксиз, оз (енгил-елпи) юк билан; **отпрáвиться в путь ~** сафарга юксиз чиқмоқ; 2 енгил (юпун) кийимда; **Онá былá ~, в одно́м ста́реньком пла́тьишке** (Гладков) У юпунгина кийинган, устида биргина эски кўйлаги бор эди.

НАЛЕ́Д/Ь *ж* 1 муз устига қалқиб чиққан сув ва ундан ҳосил бўлган муз; **~и на льду́** муз устидаги халқоб сув (ёки муз); 2 муз қатқалоғи; бирор нарса устида (юзида) қотиб қолган муз; **сбить ~ь с тротуа́ра** тротуарда қотиб қолган музларни тозаламоқ.

НАЛЕЖА́ТЬ *сов.* (*несов.* **налёживать**) *что разг.* ётавериб бирор касал орттирмоқ; **~ про́лежни** ётавериб ётоқ яра орттирмоқ.

НАЛЕЖА́ТЬСЯ *сов. разг* узоқ (кўп) ётмоқ, ётоқчиламоқ; тўйгунча ухламоқ.

НАЛЕ́ЖИВАТЬ *несов. см.* **належáть.**

НАЛЕЗА́ТЬ *несов. см.* **налéзть.**

НАЛЕ́З/ТЬ, -зет; -е́з, -е́зла *сов.* (*несов.* **налеза́ть**) 1 ёпирилмоқ, ёпирилиб кирмоқ (чиқмоқ), кириб (чиқиб) олмоқ; босиб кетмоқ; **в вагóн ~ло мнóго людéй** вагонга кўп одам чиқиб олди; **в кóмнату ~ли мýхи** хонага пашшалар кириб кетди (қолди); хонани пашша босиб кетди; 2 *на кого-что* устига чиқиб кетмоқ, босиб кетмоқ, қопламоқ; **льди́ны ~ли одна́ на другу́ю** музликлар бир-бирининг устига чиқиб кетди; 3 *на кого-что* и *без доп.* сиғмоқ (кийим ҳақида); **сапоги́ е́ле ~ли** этик аранг сиғди.

НАЛЕПИ́ТЬ, -еплю́, -е́пишь *сов.* 1 *(несов.* **лепи́ть** 2, **налепля́ть**) *что разг.* ёпиштирмоқ, ёпиштириб қўймоқ, ёпиштириб ташламоқ; **~ объявле́ние** эълон ёпиштирмоқ; 2 *что* и *чего* ясамоқ, тайёрламоқ, қилмоқ (пластилин, лой ва ш. к. дан); **~ фигу́рок из пластили́на** пластилиндан турли шаклллар ясамоқ.

НАЛЕПЛЯ́ТЬ *несов. см.* **налепи́ть** 1; **~ ма́рки на конве́рты** конвертларга маркалар ёпиштирмоқ.

НАЛЁТ *м* 1 *по гл.* **налете́ть** 1, 4 и **налета́ть** I; **~ воробьёв на чере́шню** чумчуқларнинг гилосларга ёпирилиши; 2 ҳужум; **возду́шный ~** ҳаво ҳужуми; 3 босқин, бостириб кириш (келиш); **банди́тский ~** бандитлар босқини; 4 чанг (занг ва ш. к.) қатлами; **~ пы́ли** чанг қатлами; 5 *перен. чего* асар, аломат; **~ тайнственности** махфийлик аломати; **статья́ с ~ом ю́мора** юмор аломатлари билан суғорилган мақола; 6 *мед.* караш; томоқдаги майда маддали (фасодли) яралар; ✦ **с ~а (~у)** 1) учиб бораётиб, югуриб келаётиб; 2) *перен.* ўйлаб ўтирмасдан, тайёрланмасдан, бирдан.

НАЛЕТА́/ТЬ I *несов.* 1 *см.* **налете́ть**; 2 *пов.* **~й(те)** *прост.* келиб қолинг!; **кому́ я́блоки, ~йте!** кимга олма, келиб қолинг!

НАЛЕТА́/ТЬ II *сов.* (*несов.* **налётывать**) *что* и *чего* учиб бир миқдор йўл босмоқ, бирмунча вақт (ҳавода) учмоқ; **лётчик ~л миллио́н киломе́тров** учувчи миллион километр масофани босиб (учиб) ўтди; **~ть ты́сячу часо́в** минг соат учмоқ.

НАЛЕТЕ/ТЬ, -лечу́, -лети́шь *сов.* (*несов.* **налета́ть** I) 1 *на кого-что* учиб келиб яқинлашмоқ (ёки уришиб кетмоқ, тўқнашмоқ); 2 *перен. на кого-что разг.* тез (шиддат билан) келиб ўзини урмоқ, урилмоқ, тўқнашмоқ; **маши́на ~ла на столб** машина симёғочга келиб урилди; 3 *перен. на что* учрамоқ, йўлиқмоқ, гирифтор бўлмоқ; 4 учиб келиб ҳамла қилмоқ, човут солмоқ, чанг солмоқ; **я́стреб ~л на кур** қирғий товуқларга човут солди; 5 босиб (бостириб) келмоқ, ҳужум қилмоқ; **ко́нница ~ла с ле́вого фла́нга** отлиқ аскарлар чап қанотдан (бостириб) ҳужум қилди; 6 *на кого разг.* дағдаға (дўқ, гина ва ҳ. к.) билан ташланмоқ, ёпишмоқ; **~ть с угро́зами** *на кого-л.* дўқ-пўписа билан ташланмоқ; 7 ўтирмоқ, ўтириб қолмоқ, ўтириб қолиб олмоқ; **~ла пыль** чанг ўтириб қолипти.

НАЛЁТЧИК *м* босқинчи, қароқчи, босмачи.

НАЛЁТЫВАТЬ *несов. см.* **налета́ть** II.

www.ziyouz.com kutubxonasi

НАЛЕ́ЧЬ, -ля́гу, -ля́жешь, -ля́гут; -лёг, -легла́ *сов. (несов.* **налега́ть**) 1 *на кого-что* таянмоқ, суянмоқ, оғирлигини солмоқ; бор кучи билан итармоқ; босмоқ, оғирлигини солиб ўтирмоқ; ~ **плечо́м на дверь** эшикни елкаси билан итармоқ; ~ **гру́дью на стол** столга кўкрагини бериб (босиб) ўтирмоқ; 2 *перен. на что* зўр бермоқ, ғайрат қилмоқ, тиришмоқ, астойдил ҳаракат қилмоқ; ~ **на вёсла** зўр бериб эшкак эшмоқ; ~ **на учёбу** ўқишга зўр бермоқ; 3 *перен. на кого разг.* қистамоқ, қистовга олмоқ; 4 ўтириб (қоплаб) олмоқ, қўнмоқ, инмоқ, тушмоқ; **роса́ налегла́ на зе́лень** кўкатларга шудринг тушди (тушибди).

НАЛИ́В *м* 1 *по гл.* **нали́ть — нали́ва́ть** 1; ~ **керосина́ в ба́ки** бакларга керосин қуйиш; 2 тўлалик (тўлдирилганлик) даражаси; **буты́лка непо́лного ~а** охиригача тўлдирилмаган бутилка; 3 *бот.* амал қилиш, сув (шира) олиш; етилиш, тўлишиш; **пери́од ~а зёрен** доннинг тўлишиш даври; 4 *бот.* етилганлик (тўлишганлик) даражаси; **ячме́нь моло́чного ~а** думбул (бўлган) арпа; **я́блоки хоро́шего ~а** етилиб пишган олмалар; ✦ **бе́лый** ~ оқ олма, пахта олма.

НАЛИВА́ТЬ *несов. см.* **нали́ть.**

НАЛИВА́ТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **нали́ться;** 2 *страд. от* **нали́ва́ть** 1, 2.

НАЛИ́ВКА *ж, р. мн.* **-вок** 1 *по гл.* **нали́ть — нали́ва́ть** 1; 2 наливка (мева шираси билан тургизиб тайёрланадиган спиртли ичимлик); **вишнёвая** ~ олча наливкаси.

НАЛИВН/О́Й, -а́я, -о́е 1 қуйиб ташиладиган, суюқ; ~**ы́е гру́зы** қуйиб ташиладиган (суюқ) юклар; 2 суюқлиқ ташийдиган, суюқлиқ қуйиб ташишга мўлжалланган; ~**ы́е суда́** суюқлиқ ташийдиган кемалар; 3 суюқлиқ қуйиб (сув бостириб) ҳосил қилинадиган; ~**о́й като́к** сув бостириб қилинган яхмалак; ~**о́й лёд** сув бостириб ҳосил қилинган муз; 4 *спец.* новли, нов ўрнатилган; шаршарадан ҳаракатга келадиган; ~**а́я ме́льница** новли тегирмон; ~**о́е колесо́** шаршарадан ҳаракатга келадиган паррак; 5 етилиб пишган, етилган, ширадор, сўлқилдоқ; ~**о́е я́блоко** етилиб пишган олма; 6 бўлиқ, лўмбиллаган.

НАЛИ́М *м* налим, елимбалиқ.

НАЛИ́М/ИЙ, -ья, -ье налимга (елимбалиққа) оид; налим...; елимбалиқ...; ~**ья уха́** елимбалиқ шўрваси.

НАЛИНОВА́ТЬ, -ну́ю, -ну́ешь *сов. (несов.* **налино́вывать**) *что* чизиб-чизиб чиқмоқ, жадвал тортиб чиқмоқ; ~ **тетра́дь** дафтарни чизиб чиқмоқ.

НАЛИПА́ТЬ *несов. см.* **нали́пнуть.**

НАЛИ́П/НУТЬ, -нет *сов.* (*несов.* **налипа́ть**) ёпишмоқ, ёпишиб олмоқ, ёпишиб қолмоқ; **на колёса ~ла грязь** ғилдиракларга лой ёпишиб қолди.

НАЛИТ/О́Й, -а́я, -о́е 1 етилган, етилиб пишган, тўлишган, сўлқилдоқ, ширадор, шира тортган; ~**о́е я́блоко** шира тортган олма; ~**ы́е зёрна** етилган донлар; 2 тўла, бўлиқ, лўмбиллаган; биққадай; ~**ы́е пле́чи** биққадай елкалар.

НАЛИ́ТЬ, -лью́, -льёшь *сов.* (*несов.* **нали́ва́ть**) 1 *что* и *чего* қуймоқ, солмоқ, тўлдирмоқ, тўлатмоқ; ~ **стака́н ча́ю** бир стакан чой қуймоқ; ~ **бак водо́й** бакка сув солмоқ; бакни сувга тўлдирмоқ; 2 *что* и *чего* тўкмоқ, тўкиб юбормоқ; ~ **черни́ла на стол** столга сиёҳ тўкиб юбормоқ; 3 *без доп. то же, что* **нали́ться** 3; **хлеба́ успе́ли ~ в са́мую по́ру** дон ўз вақтида пишиб етилди; 4 *перен. без доп. то же, что* **нали́ться** 3, 4; 5 *что* и *чего* бир миқдор нарса қуймоқ, қуйиб ясамоқ, тайёрламоқ; ~ **мно́го свинцо́вых пуль** кўп қўрғошин ўқ қуймоқ.

НАЛИ́/ТЬСЯ, -лью́сь, -льёшься *сов.* 1 **-льётся** қуйилмоқ; кирмоқ; кириб кетмоқ, кириб тўлмоқ, тўлдирмоқ (суюқлиқ ҳақида); **мо́локо́ ~лось в буты́лку** бутилкага сут қуйилди; **в ло́дку ~ла́сь вода́** қайиққа сув кириб кетди; 2 суюқликка тўлмоқ, сув олмоқ; **кру́жка ~ла́сь до краёв** кружка лим-лим тўлди; **глаза́ ~ли́сь слеза́ми** кўзи ёшга тўлди; **овра́ги ~ли́сь водо́й** жарликлар сувга тўлди; **На ре́йде, у Анже́ра, остана́вливаются ~ться водо́й, запасти́сь зе́ленью суда́** (И. Гончаров) Анжер яқинида, рейдда кемалар сув олиш, кўкатлар ғамлаш учун тўхтаб ўтадилар; 3 етилмоқ, тўлишмоқ, шира олмоқ (тортмоқ, боғламоқ), пишмоқ; **сли́вы ~ли́сь** олхўрилар етилди; 4 *перен.* кучга тўлмоқ, тўлишмоқ, бақувват тортмоқ; **му́скулы ~ли́сь** мускуллар тўлишди; 5 *перен.* тўлиб-тошмоқ, тўлиб кетмоқ; **~ться зло́бой** ғазаби тўлиб-тошмоқ, ғазабга тўлмоқ; ✦ **~ться кро́вью** қонга тўлмоқ, қизармоқ, қизариб кетмоқ (мас., жаҳлдан, асабланиб, уялиб).

НАЛИЦО́ *нареч. в знач. сказ.* бор, мавжуд; ҳозир; **свиде́тели** ~ гувоҳлар келган (бор); гувоҳлар ҳозир; **все усло́вия** ~ ҳамма шароитлар бор (мавжуд).

НАЛИ́ЧЕСТВОВАТЬ *несов. книжн.* бор (мавжуд) бўлмоқ; ҳозир бўлмоқ.

НАЛИ́ЧИ/Е *с* бор (мавжуд) бўлиш, борлик, мавжудлик, жой-жойидалик, нақдлик, ҳозирлик; ~**е при́знаков** белгиларнинг борлиги, мавжудлиги; ✦ **быть** (или **оказа́ться**) **в ~и** бор (мавжуд) бўлмоқ; ҳозир бўлмоқ, жой-жойида бўлмоқ.

НАЛИ́ЧНИК *м* 1 часпак; **резны́е ~и** ўйма часпак; 2 калит солинадиган тешик қопламаси, қулф бурнининг қопламаси.

НАЛИ́ЧНОСТ/Ь *ж* 1 *то же, что* **нали́чие; все маши́ны в ~и** ҳамма машиналар жой-жойида; 2 мавжуд (бор) нарсанинг миқдори; нақд пул (ёки нарса); нақдина; ~**ь това́ров в магази́не** магазиндаги мавжуд моллар миқдори; магазинда бор моллар; **ка́ссовая ~ь** кассадаги нақд пул.

НАЛИ́ЧН/ЫЙ, -ая, -ое 1 бор, мавжуд, нақд; ~**ая су́мма** бор пул; нақд пул; ~**ое населе́ние** бор (мавжуд) аҳоли; 2 *в знач. сущ.* ~**ые** *мн.* бор (нақд) пул; нақдина; **плати́ть ~ыми** нақд пул билан тўламоқ; ✦ **за ~ый расчёт** (продава́ть) нақд пулга (сотмоқ).

НАЛО́БНИК *м* 1 пешанабоғ (от абзалининг бир қисми); 2 пешанабоғ, пешанабандлик (пешанага танғиб ўраладиган кичик рўмол ва ҳ. к.).

НАЛО́БН/ЫЙ, -ая, -ое пешанага боғланадиган; пешанадаги; пешана...; ~**ая повя́зка** пешанабоғ.

НАЛОВИ́ТЬ, -овлю́, -о́вишь *сов.* (*несов.* **нала́вливать**) *что* и *кого-чего* бир миқдор тутмоқ, овламоқ, тутиб (овлаб) олмоқ; ~ **мно́го ры́бы** кўп балиқ тутмоқ.

НАЛОВЧИ́ТЬСЯ *сов.* ҳавосини (машқини, ҳадисини) олмоқ, малака ҳосил қилмоқ, уста бўлиб қолмоқ; яхши ўрганмоқ; ~ **игра́ть в баскетбо́л** баскетбол ўйнашнинг ҳадисини олмоқ.

НАЛО́Г *м* солиқ, ўлпон; **подохо́дный** ~ даромад солиғи.

НАЛО́ГОВЫ/Й, -ая, -ое 1 солиққа оид, солиқ йўли билан олинадиган, солиқдан келадиган; ~**е платежи́** солиқ тўловлари; 2 солиқ йиғадиган (оладиган, олувчи); солиқ йиғиш билан шуғулланадиган; ~**й аге́нт** солиқ олувчи (йиғувчи) агент.

НАЛОГОПЛАТЕ́ЛЬЩИК *м* солиқ тўловчи.

НАЛОГОПЛАТЕ́ЛЬЩИЦА *ж см.* **налогоплате́льщик.**

НАЛО́ЖЕННЫ/Й, -ая, -ое *прич. от* **наложи́ть** 1—6. ✦ ~**й платёж** кўрсатилган ҳақ, қиймат; **отпра́вить груз** ~**м платежо́м** кўрсатилган ҳақини (қийматини) тўлаб олиш шарти билан мол (юк) жўнатмоқ.

НАЛОЖИ́ТЬ *сов.* (*несов.* **накла́дывать**) 1 *что* қўймоқ, устига қўймоқ, қопламоқ; қўйиб бекитмоқ, ямамоқ, тузатмоқ; ~ **выкро́йку на мате́рию** андазани газлама устига қўймоқ; ~ **запла́ты на пробо́ины** тешилган жойларга ямоқ қўйиб бекитмоқ; 2 *мед. что* қўймоқ, боғламоқ; ~ **пла́стырь** пластирь (малҳам) қўймоқ; ~ **повя́зку на ра́ну** ярани боғламоқ; ~ **гипс** гипсламоқ, тахтакачламоқ; 3 *что* и *чего* бир миқдор солмоқ, тўлдирмоқ; ~ **книг в чемода́н** чемоданга анча-мунча китоб солмоқ; ~ **по́лную таре́лку пло́ва** тарелкага тўлдириб палов солмоқ (сузмоқ); 4 *что* ёзмоқ, ёзиб қўймоқ; чекмоқ; босмоқ; бермоқ, суртмоқ; ~ **резолю́цию** резолюция қўймоқ; ~ **кра́ску** бўёқ бермоқ (суртмоқ); 5 *что* босмоқ, қўймоқ, из (белги, асар) қолдирмоқ; ~ **клеймо́** тамға босмоқ; ~ **печа́ть** муҳр (печать) босмоқ; 6 *(несов. также* **налага́ть**) *что* солмоқ; юкламоқ; ~ **штраф** штраф солмоқ; ~ **запре́т** тақиқлаб қўймоқ, ман қилмоқ; 7 *прост.* урмоқ, туширмоқ, солмоқ; ~ **в ше́ю** бўйнига туширмоқ; ✦ ~ **печа́ть (печа́ти)** *на что* печатлаб қўймоқ; ~ **ру́ку** (или **ла́пу**) *на что* чанг урмоқ (солмоқ), эгаллаб олмоқ; ~**на себя́ ру́ки** ўз жонига қасд қилмоқ, ўзини-ўзи ўлдирмоқ; ~ **(свою́) печа́ть** (или **отпеча́ток**) *на кого-что* из (асар) қолдирмоқ, ўз таъсирини ўтказмоқ.

НАЛО́ЖНИЦА *ж уст.* **ўйнаш,** никоҳсиз хотин, жазман, сурайё.

www.ziyouz.com kutubxonasi

НАЛОКОТНИК *м* 1 тирсакбанд (иссиқ тутиш ёки зарбдан сақлаш учун тирсакка боғланадиган, кийиладиган нарса); 2 тирсак совути, тирсакка кийиладиган совут.

НАЛОМА́/ТЬ *сов.* (*несов.* **нала́мывать**) *что* и *чего* 1 бир миқдор синдирмоқ, синдириб олмоқ (ташламоқ, кетмоқ), синдириб юбормоқ; **ве́тер ~л мно́го ве́ток** шамол кўп шохларни синдириб кетипти; 2 синдирмоқ (узиб) тайёрламоқ, ясамоқ; **~ть буке́т сире́ни** сирендан узиб гулдаста қилмоқ; 3 синдириб (ушатиб, қазиб) бир миқдор нарса чиқармоқ, бир миқдор синдириб олмоқ; **~ть мра́мора** бир миқдор мармар (синдириб) чиқармоқ; 4 бир миқдор бузмоқ; бузиб ташламоқ; **~ть мно́го игру́шек** кўп ўйинчоқ синдириб ташламоқ; 5 *прост.* толиқтирмоқ, озор бермоқ (тана аъзоларига нисбатан; узоқ юриш, кўп ишлаш ва ҳ. к. натижасида); ✦ **~ть бока́** *кому* роса урмоқ, калтакламоқ, биқинига туширмоқ; **~ть дров** бемаъни ишлар қилиб қўймоқ, хатоларга йўл қўймоқ.

НАЛОМА́ТЬСЯ *сов. прост.* 1 ниҳоятда чарчамоқ, ҳоримоқ, толиқмоқ; 2 *над кем* роса хўрламоқ, таҳқирламоқ.

НАЛОЩИ́ТЬ *сов.* 1 *что* йилтиратмоқ, ялтиратмоқ, пардозламоқ, жило бермоқ; **~ парке́т** паркетни йилтиратмоқ; 2 *что* и *чего спец.* бир миқдор нарса ялтиратмоқ, ялтироқ қилмоқ; **~ бума́ги** бир миқдор қоғоз ялтиратмоқ.

НАЛУЩИВА́ТЬ *несов. см.* **налущи́ть.**

НАЛУЩИ́ТЬ *сов.* (*несов.* **налу́щивать**) *что* и *чего* бир миқдор оқламоқ, пўстини олмоқ, арчмоқ, тозалаб қўймоқ; **~ оре́хов** бир миқдор ёнғоқ чақиб пўчоғидан тозалаб қўймоқ.

НАЛЮБОВА́ТЬСЯ, -бу́юсь, -бу́ешься *сов.* қараб (томоша қилиб) тўймоқ; **не могу́ ~ краcóй родно́го кра́я** она юрт чиройига қараб тўймайман.

НАЛЯПА́ТЬ *сов. прост.* 1 чаплаб ташламоқ, чаплаб кир (ифлос) қилмоқ; **~ на стене́** деворни бирор нарса чаплаб ифлос қилмоқ; 2 *что, чего* и *без доп.* чаплаштириб ёзмоқ, кир (ифлос, ажи-бужи) қилиб ёзиб (чизиб) ташламоқ; 3 наридан-бери қилмоқ, ёмон бажармоқ.

нам, на́ми *см.* **мы; нам не страшны́ угро́зы** бизга (биз учун) дўқ-пўписалар қўрқинчли эмас, биз дўқ-пўписалардан қўрқмаймиз; **к нам прие́хали го́сти** бизга (бизникига) меҳмонлар келди; **на́ми дово́льны на́ши друзья́** биздан дўстларимиз хурсанд.

НАМАГНИ́ТИТЬ, -и́чу, -и́тишь *сов.* (*несов.* **намагни́чивать**) *что* магнитламоқ.

НАМАГНИ́ЧИВАТЬ *несов. см.* **намагни́тить.**

НАМАГНИ́ЧИВАТЬСЯ, -ается *сов.* 1 магнитланмоқ; 2 *страд. от* **намагни́чивать.**

НАМА́З *м* намоз; **у́тренний ~** эрталабки намоз, бомдод намози.

НАМА́ЗАТЬ, -а́жу, -а́жешь *сов.* (*несов.* **ма́зать** I) 1 (*несов.* **нама́зывать**) *что чем* суртмоқ, суркамоқ; **~ хлеб ма́слом** нонга мой суртмоқ; **~ пол масти́кой** полга мастика суртмоқ; 2 (*несов.* **нама́зывать**) *что* и *чего* бир миқдор суртмоқ, суркамоқ; **~ на ломо́ть хле́ба икры́** бир бурда нонга увулдириқ суртмоқ; 3 (*несов.* **нама́зывать**) *что разг.* бўямоқ, бўёқ (упа-элик) суртмоқ, пардоз қилмоқ; **~ гу́бы** лабини бўямоқ; **~ лицо́** юзини бўямоқ; 4 *без доп. разг.* ифлос қилмоқ, кир қилмоқ, булғатмоқ; **~ на полу́** полни ифлос қилмоқ; 5 *что, чего* и *без доп. разг.* уқувсизлик билан ёзмоқ, бўлар-бўлмас қилиб чизмоқ; **~ пейза́ж** бўлар-бўлмас манзара чизмоқ.

НАМАЗА́ТЬСЯ, -а́жусь, -а́жешься *сов.* (*несов.* **ма́заться** и **нама́зываться**) 1 ўзига (юзига) суртмоқ, суркамоқ; **~ вазели́ном** (ўзига, юзига, қўлига) вазелин суртмоқ; 2 *разг.* бўянмоқ, пардоз қилмоқ; **~ до неприли́чия** одобдан ташқари пардоз-андоз қилмоқ.

НАМАЗЫВА́ТЬ *несов. см.* **нама́зать** 1—3.

НАМАЗЫВА́ТЬСЯ *несов.* 1 *сов.* **нама́заться; 2** *страд. от* **нама́зывать.**

НАМАЛЕВА́ТЬ, -лю́ю, -лю́ешь *сов.* (*несов.* **малева́ть** и **намалёвывать**) *кого-что* 1 *разг.* уқувсизлик билан бўямоқ, бўлар-бўлмас қилиб чизмоқ; наридан-бери (ола-пес қилиб) бўяб ташламоқ, ишламоқ; **~ карти́ну** наридан-бери (бўлар-бўлмас) сурат ишламоқ; 2 *прост.* дидсиз бўяб (чаплаб) олмоқ; **~ лицо́** юзини дидсиз бўяб (чаплаб) олмоқ.

НАМАЛЕВА́ТЬСЯ *сов. прост.* дидсиз бўяниб (пардоз-андоз) қилиб олмоқ.

НАМАЛЁВЫВАТЬ *несов. см.* **намалева́ть.**

НАМАЛЫВА́ТЬ *несов. см.* **намоло́ть** 1.

НАМАРА́ТЬ *сов.* 1 *что* и *чего прост.* бир миқдор кир қилмоқ, кир (ифлос) қилиб ташламоқ; **~ всё бельё** ҳамма ич кийимни кир қилиб ташламоқ; 2 *без доп.* кир (ифлос) қилмоқ, булғатмоқ; **~ на полу́** полни булғатмоқ; 3 *что* и *чего разг.* ёмон-жумон ёзмоқ, уқувсизлик билан (бўлар-бўлмас) расм солмоқ, чизмоқ, ёзмоқ, ёзиб ташламоқ; **~ чепуху́** бўлмағур нарсаларни ёзиб ташламоқ; **~ карти́ну** бўлмағур расм чизмоқ.

НАМАРИНОВА́ТЬ, -ну́ю, -ну́ешь *сов.* (*несов.* **намарино́вывать**) *что* и *чего* бир миқдор нарса маринад қилиб қўймоқ, зиравор қўшиб сиркага босмоқ; **~ на́ зиму огурцо́в** қишга бодринг мариnад қилмоқ.

НАМАРИНОВЫВА́ТЬ *несов. см.* **намаринова́ть.**

НАМАСЛИВА́ТЬ *несов. см.* **нама́слить.**

НАМА́СЛИТЬ *сов.* (*несов.* **ма́слить** и **нама́сливать**) *что разг.* 1 мойламоқ, мой (ёғ) суртмоқ; **~ сковороду́** товани мойламоқ; **~ го́лову** сочга мой суртмоқ; 2 мой (ёғ) солмоқ, қўшмоқ; **~ ка́шу** кашага мой (ёғ) солмоқ.

НАМА́ТЫВАТЬ *несов. см.* **намота́ть.**

НАМА́ТЫВАТЬСЯ I, -ается *несов.* 1 *см.* **намота́ться** I; 2 *страд. от* **нама́тывать.**

НАМА́ТЫВАТЬСЯ II, -аюсь, -аешься *несов. см.* **намота́ться** II.

НАМА́ЧИВАТЬ *несов. см.* **намочи́ть.**

НАМА́ЧИВАТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **намочи́ться** 1; 2 *страд. от* **нама́чивать.**

НАМА́Я/ТЬСЯ *сов. прост.* жуда чарчамоқ, ҳоримоқ, толиқмоқ; **~лся за́ день с детьми́** кун бўйи болалар билан бўлиб жуда чарчадим.

НАМЕ́ДНИ *нареч. уст.* и *прост.* яқиндагина, кечагина, тунов куни.

НАМЁК *м* 1 шама, ишора, луқма; **то́нкий ~** нозик шама; **говори́ть ~ами** шама қилмоқ, шама қилиб гапирмоқ; 2 *перен.* асар, аломат; **и ~а нет** *на что* асари ҳам йўқ, сира ўхшамайди, яқинига ҳам йўламайди; ...дан жуда узоқ; **Отку́да-то... доно́сятся не зву́ки, а ~и на них** (Серафимович) Қаердандир... товуш эмас, товушни эслатадиган бир нарса эшитилар эди.

НАМЕКА́/ТЬ *несов.* (*сов.* **намекну́ть**) *на кого-что* ишора (шама) қилмоқ; луқма солмоқ; **на что вы ~ете?** сиз нимага шама қиляпсиз?

НАМЕКНУ́ТЬ *сов. см.* **намека́ть.**

НАМЕЛИ́ТЬ *сов. см.* **мели́ть.**

НАМЕЛЬЧИ́/ТЬ *сов. разг.* 1 *что* и *чего* бир миқдор нарса майдаламоқ, майдалаб (ушатиб, уватиб) қўймоқ; **~ть табаку́** бир миқдор тамаки майдаламоқ; 2 *что* и *без доп.* майда (қилиб) ёзмоқ, чизмоқ; **так ~л, что не прочтёшь** шундай майда ёзибдики, ўқиб бўлмайди.

НАМЕ́НИВАТЬ *несов. см.* **наменя́ть.**

НАМЕНЯ́ТЬ *сов.* (*несов.* **наме́нивать**) *что* и *чего* 1 бир миқдор айирбош қилмоқ, алиштирмоқ, алиштириб олмоқ; **~ ма́рок для колле́кции** коллекция учун маркалар алиштириб олмоқ; 2 майдаламоқ, майдалаб олмоқ; **~ на рубль ме́лочи** бир сўмни майдалаб олмоқ.

НАМЕРЕВА́ТЬСЯ *несов. с неопр.* ният қилмоқ, қасд қилмоқ, ...моқчи бўлмоқ; **он ~ется уе́хать за́втра** у эртага жўнаб кетмоқчи, у эртага жўнаб кетиш ниятида.

НАМЕ́РЕН, -а, -о *в знач. сказ. с неопр.* ниятида, фикрида; ...моқчи; **что вы ~ы де́лать?** нима қилмоқчисиз?; **я ~ уе́хать** мен жўнаб кетмоқчиман; **никто́ не ~ с ва́ми спо́рить** ҳеч ким сиз билан баҳслашмоқчи эмас.

НАМЕ́РЕНИ/Е *с* ният, мақсад, ўй; қасд; аҳд; **серьёзность ~й** мақсаднинг жиддийлиги; **с до́брыми ~ями** яхши ниятлар билан; ✦ **без (вся́кого) ~я** ўйламай-нетмай, ҳеч қандай мақсадни кўзламай, мақсадсиз; **с ~ем жу́ртства,** қасддан, атайлаб; ...мақсадида.

НАМЕ́РЕНН/ЫЙ, -ая, -ое қасддан (билатириб, атайлаб, жўрттага) қилинган; **~ое оскорбле́ние** билатириб ҳақорат қилиш; **с ~ой це́лью** ғаразли мақсад билан.

НАМЕРЗА́ТЬ, -а́ет *несов. см.* **намёрзнуть** 1.

www.ziyouz.com kutubxonasi

НАМЕ́РЗ/НУТЬ, -нет; -ёрз, -ёрзла *сов.* 1 (*несов.* **намерза́ть**) музлаб (яхлаб) ёпишиб қолмоқ, қоплаб олмоқ, босмоқ; **у берего́в ~ли льды** қирғоқларни муз босибди; **на уса́х ~ли сосу́льки** мўйловлари музлаб сумалак бўлиб қолибди; 2 *разг.* қаттиқ совқотмоқ, музлаб (муз-кесак бўлиб) кетмоқ; **ру́ки ~ли** қўллар муз-кесак бўлиб қолди; **~нуть на моро́зе** совуқда қолиб музлаб кетмоқ.

НАМЕ́РЗНУТЬСЯ, -нусь, -нешься; -ёрзся, -ёрзлась *сов.* қаттиқ совқотмоқ, музлаб кетмоқ; муз-кесак бўлиб қолмоқ; **~ в пути́** йўлда совқотиб қолмоқ.

НАМЕ́РИВАТЬ *несов. см.* **наме́рить.**

НАМЕ́РИТЬ *сов.* (*несов.* **намеря́ть** и **наме́ривать**) *что* и *чего* бир миқдор ўлчамоқ, ўлчаб қўймоқ, ўлчаб бермоқ; **~ де́сять ме́тров си́тца** читдан ўн метр ўлчамоқ.

НАПРОСИ́/ТЬСЯ, -ошу́сь, -о́сишься *сов. (несов.* **напра́шиваться**) 1 *разг.* хиралик (суллоҳлик) билан бирор нарсага эришмоқ, тамагирлик қилмоқ; ~**ться в го́сти** хиралик билан меҳмондорчиликка бормоқ; 2 *на что разг.* сўраб (ёки талабгор бўлиб) олмоқ, сўрайвериб ундирмоқ, ўз хатти-ҳаракати (юриш-туриши) билан сазовор бўлмоқ; ўзига-ўзи қилмоқ, орттирмоқ; ~**ться на оскорбле́ние** ўзига-ўзи қилиб, ҳақорат эшитмоқ; ўзига-ўзи ҳақорат орттирмоқ;— **Сама́ к до́чери на комба́йн отгру́зчицей ~лась, тепе́рь опя́ть тебя́ переведи́!** (Николаева) Ўзинг талабгор бўлиб қизингнинг комбайнига юк ортувчи бўлиб ўтдинг, энди яна қайтар дейсан.

НАПРО́ТИВ 1 *нареч.* рўпарада, қаршида, қарши томонда, рўпарама-рўпара; **он сиди́т ~** у рўпарада ўтирипти; 2 *предлог с р.* рўпарасида, қаршисида; **он живёт ~ шко́лы** у мактабнинг рўпарасида туради (яшайди); 3 *нареч.* аксига, тескарисига, зиддига, терс; **он всё де́лает ~** у ҳамма вақт терс иш қилади; 4 *в знач. вводн. сл.* аксинча; **я бы́стро по́нял, а мой друг, ~, ника́к не мо́жет поня́ть** мен дарров тушундим, ўртоғим эса, аксинча, ҳеч тушуна олмаяпти; 5 *в знач. частицы* йўқ, аксинча, билъакс; **вы мне не ра́ды?— Напро́тив, о́чень рад!** сиз менинг келганимдан хурсанд эмасмисиз?— Йўқ, аксинча, жуда хурсандман!

НА́ПРОЧЬ *нареч. разг.* бутунлай, тамоман, батамом; **отре́зать ~** бутунлай (таг-туги билан) кесиб ташламоқ.

НАПРУ́ЖИВАТЬ *несов. см.* **напру́жить.**

НАПРУ́ЖИВАТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **напру́житься;** 2 *страд. от* **напру́живать.**

НАПРУЖИ́НИВАТЬ *несов. см.* **напружи́нить.**

НАПРУЖИ́НИВАТЬСЯ *несов. см.* **напружи́ниться.**

НАПРУЖИ́НИТЬ *сов.* (*несов.* **напружи́нивать**) *что разг.* таранг қилмоқ, таранг тортмоқ; ~ **му́скулы** мускулларни таранг қилмоқ.

НАПРУЖИ́НИ/ТЬСЯ *сов.* (*несов.* **напружи́ниваться**) таранг бўлмоқ, таранг тортилмоқ; **му́скулы ~лись** мускуллар тортилди (таранг бўлди).

НАПРУ́ЖИТЬ *сов.* (*несов.* **напру́живать**) *что разг.* таранг қилмоқ, таранг тортмоқ, бор кучини йиғмоқ, чирантирмоқ; ~ **но́ги** оёқларни чирантирмоқ.

НАПРУ́ЖИ/ТЬСЯ *сов.* (*несов.* **напру́живаться**) *разг.* таранг бўлмоқ, тортилмоқ, бор кучи тўпланмоқ, чиранмоқ; **те́ло ~лось** аъзойи бадан тортилди.

НАПРЫ́ГАТЬСЯ *сов. разг.* кўп (хўп, роса) сакрамоқ, сакраб тўймоқ.

НАПРЫ́СКАТЬ *сов.* (*несов.* **напры́скивать**) 1 *что* и *чего* бир миқдор сепмоқ, пуркамоқ; ~ **воды́ на́ пол** ерга (полга) шакароб қилиб сув сепмоқ; 2 *что* пуркаб (сепиб) ҳўлламоқ, сепиб (пуркаб) олмоқ; ~ **плато́к духа́ми** рўмолга атир пуркаб олмоқ; ~ **бельё** кийимга сув пуркамоқ (дазмоллаш учун).

НАПРЫ́СКИВАТЬ *несов. см.* **напры́скать.**

НАПРЯГА́ТЬ *несов. см.* **напря́чь.**

www.ziyouz.com kutubxonasi

НАПРЯГА́ТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **напря́чься**; 2 *страд. от* **напряга́ть**.

НАПРЯЖЕ́НИ/Е *с* 1 *по гл.* **напря́чь — напряга́ть** и **напря́чься — напряга́ться**; **~е внима́ния** бутун диққат-эътиборнинг бир ерга (нарсага) тўпланиши; 2 зўр ғайрат, диққат-эътибор; қизғинлик; **твóрческое ~е** ижодий ғайрат; **рабóтать с ~ем** зўр ғайрат билан (бор кучни бериб) ишламоқ; **слу́шать с ~ем** зўр диққат-эътибор билан (бутун диққатини бериб) тингламоқ; 3 тиғизлик, кескинлик, танглик; **~е в эконóмике** экономикада танглик (танг аҳвол); **~е на трáнспорте в часы́ пик** йўловчилар энг кўп вақтидаги транспорт тиғизлиги; 4 *физ. тех.* кучланиш; **ток высóкого ~я** юқори кучланишли ток.

НАПРЯЖЁННО *нареч.* 1 бор куч (зўр ғайрат) билан, қаттиқ ғайрат қилиб, зўр бериб; **~ рабóтать** қаттиқ ғайрат қилиб ишламоқ; 2 зўр диққат билан, бутун диққат-эътиборни бериб; **~ смотре́ть вдаль** зўр диққат билан йироқларга қарамоқ.

НАПРЯЖЁННОСТЬ *ж* 1 қизғинлик, зўрлик; **~ трудá** меҳнатнинг зўрлиги (қизғинлиги); **~ внима́ния** диққатнинг зўрлиги; зўр диққат билан қараш; **~ дежу́рства** навбатчиликнинг безовталиги; 2 жиддийлик танглик, кескинлик, оғирлик; **~ в междунарóдной обстано́вке** халқаро аҳволнинг кескинлиги (оғирлиги); 3 *физ. тех.* кучланганлик; **~ магни́тного пóля** магнит майдонининг кучланганлиги.

НАПРЯЖЁНН/ЫЙ, **-ая**, **-ое** 1 *прич. от* **напря́чь**; 2 *знач. прил.* таранг, таранг тортилган, кучланган; **~ые мы́шцы** таранг бўлиб турган (кучланган) мускуллар; **~ая констру́кция** *спец.* таранг конструкция; 3 *в знач. прил.* бор куч ва зўр ғайрат билан (зўр бериб) қилинган (қилинаётган), долзарб, зўр; **~ая рабóта** қизғин иш; **~ая борьбá** қизғин кураш; **~ые дни** долзарб кунлар; 4 *в знач. прил.* бетоқат (безовта) қиладиган, бутун диққат-эътиборни талаб қиладиган; **~ое ожида́ние** тоқатсизлик билан (бутун диққат-эътиборини бериб) кутиш; 5 *в знач. прил.* зўрма-зўраки, ғайритабиий; **~ый смех** зўрма-зўраки кулиш, ғайритабиий кулги; 6 *в знач. прил.* жиддий, танг, кескин, оғир; **~ое междунарóдное положе́ние** кескин халқаро аҳвол.

НАПРЯМИ́К *нареч.* 1 тўғри (энг қисқа) йўлдан, тўппа-тўғри, адил, тикка; **идти́** *куда-л.* **~** тўппа-тўғри (энг қисқа) йўлдан бормоқ; 2 *перен.* рўйирост, тикка, очиқдан-очиқ, дангал, шартта; **сказа́ть ~** дангал айтмоқ.

НАПРЯЧЬ, **-ягу́**, **-яжёшь**; **-я́г**, **-ягла́** *сов.* (*несов.* **напряга́ть**) *что* 1 тарангламоқ, таранг қилмоқ, тортмоқ, кучантирмоқ; **~ му́скулы** мускулларни таранг қилмоқ; 2 *перен.* зўр бермоқ, зўр бериб кучайтирмоқ; **~ си́лы** бор кучни йиғмоқ, зўр бермоқ; **~ слух** зўр (бутун) диққат билан эшитмоқ, жон-қулоқ бўлиб тингламоқ, қулоқ(лар)ни динг қилмоқ (тиккайтирмоқ); **не́рвы напряжены́ до преде́ла** асаблар таранг.

НАПРЯ́/ЧЬСЯ, **-ягу́сь**, **-жёшься**; **-я́гся**, **-ягла́сь** *сов.* (*несов.* **напряга́ться**) 1 таранг бўлмоқ, тортилмоқ; **му́скулы ~гли́сь** мускуллар таранглашди; 2 *перен.* чиранмоқ, кучанмоқ, зўр бермоқ, зўриқмоқ; **~чься, поднима́я груз** юкни кўтариб зўриқмоқ; 3 *перен.* тарангланмоқ, кучаймоқ, зўраймоқ; **все его́ душе́вные си́лы ~гли́сь** унинг руҳий кучлари тарангланди; 4 ғайритабиий бўлиб қолмоқ, ясама (зўрма-зўраки, асабий) тус олмоқ; **лицо́ ~гло́сь** юзи асабий тус олди.

НАПУГА́ТЬ *сов. кого-что* қаттиқ қўрқитмоқ (чўчитмоқ); қўрқитиб (чўчитиб) юбормоқ; ҳуркитмоқ.

НАПУГА́ТЬСЯ *сов.* қаттиқ қўрқмоқ; қўрқиб (чўчиб) кетмоқ, қаттиқ ҳуркимоқ.

НАПУ́ДРИВАТЬ *несов. см.* **напу́дрить**.

НАПУ́ДРИВАТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **напу́дриться**; 2 *страд. от* **напу́дривать**.

НАПУ́ДРИТЬ *сов.* (*несов.* **напу́дривать**) *кого-что* упа суртмоқ; **~ лицо́** юзга упа суртмоқ.

НАПУ́ДРИТЬСЯ *сов.* (*несов.* **напу́дриваться**) ўзига упа суртмоқ, упа суртиб олмоқ, пардоз қилмоқ.

НАПУ́ЛЬСНИК *м* билакбоғ (томирни совуқдан, зарбдан сақлаш учун қўлга боғланадиган мослама).

НАПУСК *м* 1 *по гл.* **напуска́ть — напусти́ть** 1; **~ ры́бы в бассе́йн** ҳовузга балиқларни қўйиб юбориш; **~ воды́ в водохрани́лище** сув омборига сув очиш(қуйиш); 2 кийимнинг белбоғдан пастга солиниб турган қисми; 3 *охот.* итни ўлжага қўйиб юбориш.

НАПУСКА́ТЬ *несов. см.* **напусти́ть**.

НАПУСКА́ТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **напусти́ться**; 2 *страд. от* **напуска́ть**.

НАПУСКН/О́Й, **-а́я**, **-о́е** 1 сохта, ёлғондакам, ясама, қалбаки, ғайритабиий; **~о́е споко́йствие** сохта (ёлғондакам) хотиржамлик; **~а́я весёлость** ёлғондакам хурсандлик; 2 туширилиб (осилтириб) қўйиладиган.

НАПУСТИ́ТЬ, **-ущу́**, **-у́стишь** *сов.* (*несов.* **напуска́ть**) 1 *что* и *кого-чего* бир миқдор қўймоқ, киргизмоқ; қўйиб (киргизиб) юбормоқ; **~ мно́го жильцо́в в дом** уйга истиқомат қилиш учун кўп одам қўймоқ (киргизмоқ); **~ воды́ в бак** бакка сув қуймоқ; **~ в ко́мнату ды́ма** уйга тутун киргизиб юбормоқ; **~ в пруд малько́в** ҳовузга майда балиқларни қўйиб юбормоқ; 2 *что* туширмоқ, осилтирмоқ, солинтирмоқ; туширилиб (осилтириб) олмоқ; **~ во́лосы на лоб** сочини пешанасига туширилиб олмоқ; **~ штани́ны на голени́ща сапо́г** шимнинг почасини этик қўнжи устидан туширилиб юрмоқ; 3 *что на кого-что* ўзини бирор ҳолатга (куйга, қиёфага) солмоқ, ўзини бирор ҳолатда (кайфиятда) кўрсатмоқ; **~ на себя́ стро́гость** ўзини жиддийликка солмоқ; 4 *кого на кого-что* солмоқ, қўйиб (ечиб) юбормоқ; **~ соба́к на зве́ря** ваҳший ҳайвонга тозни солмоқ (ит қўймоқ); 5 бирор дардга (касалга) чалинтирмоқ, чалиб кетмоқ (хурофий тасаввурларда); **~ по́рчу** кўз теккизмоқ, кўзи тегмоқ; ✦ **~ стра́ху (страх)** *на кого* қўрқитиб юбормоқ, ваҳимага солмоқ, кайфини (ваҳимасини) учирмоқ; **~ (в глаза́) тума́ну** *см.* **тума́н**.

НАПУСТИ́ТЬСЯ, **-ущу́сь**, **-у́стишься** *сов.* (*несов.* **напуска́ться**) *на кого-что прост.* дағдаға қилмоқ, баддосламоқ, ўдағайлаб (ўшқириб) келмоқ, дўқ урмоқ.

НАПУТА́ТЬ *сов.* (*несов.* **напу́тывать**) 1 *что* и *чего* чувалтириб юбормоқ, чигал қилиб юбормоқ; **~ пря́жи** калава ипни чувалтириб юбормоқ; 2 *что* и *без доп.* чалкаштириб (чалкаш-чулкаш қилиб) юбормоқ, чатоқлаштирмоқ, янглишиб кетмоқ, хато қилмоқ, адашмоқ; **~ в подсчётах** ҳисобда янглишиб кетмоқ; **~ де́ло** ишни чалкаштириб юбормоқ.

НАПУТА́ТЬСЯ, **-ается** *сов.* (*несов.* **напу́тываться**) чувалиб (чигал бўлиб) кетмоқ.

НАПУТСТВЕНН/ЫЙ, **-ая**, **-ое** оқ йўл (ёки муваффақият) тилаб айтилган; хайрбод...; **~ая речь** оқ йўл (ёки муваффақият) тилаб айтилган сўз, оқ фотиҳа.

НАПУТСТВИЕ *с* оқ йўл (ёки муваффақият) тилаб айтилган сўз; хайрбод, оқ фотиҳа; **~ во́инам** аскарларга оқ йўл (ёки муваффақият) тилаб қолиш, оқ фотиҳа бериш.

НАПУТСТВОВАТЬ *сов.* и *несов. кого-что* оқ йўл (ёки муваффақият) тилаб қолмоқ, оқ фотиҳа бермоқ; **~ до́брыми пожела́ниями** эзгу ниятлар билан хайр-хўшлашмоқ; оқ йўл (ёки муваффақият) тилаб қолмоқ, оқ фотиҳа бермоқ.

НАПУ́ТЫВАТЬ *несов. см.* **напу́тать**.

НАПУ́ТЫВАТЬСЯ, **-ается** *несов.* 1 **напу́таться**; 2 *страд. от* **напу́тывать**.

НАПУХА́ТЬ, **-а́ет** *несов. см.* **напу́хнуть**.

НАПУХ/НУТЬ, **-нет**; **-у́х**, **-у́хла** *сов.* (*несов.* **напуха́ть**) *разг.* шишмоқ, шишиб кетмоқ, кўпчимоқ; **ру́ки ~ли** қўллар шишиб кетди.

НАПЫЖИВА́ТЬСЯ *несов. см.* **напы́житься**.

НАПЫ́ЖИТЬСЯ *сов.* (*несов.* **напы́живаться**) *разг.* 1 кучанмоқ, чиранмоқ; **~, поднима́я тя́жесть** кучаниб юк кўтармоқ; 2 *перен.* гердаймоқ, керилмоқ, олифтагарчилик қилмоқ; **~, сло́вно пету́х** жўжахўроздай керилмоқ.

НАПЫЛИ́ТЬ *сов* (*несов.* **пыли́ть**) чангитиб юбормоқ, чангини чиқармоқ (кўтармоқ); чанг қилмоқ.

НАПЫ́ШЕНН/ЫЙ, **-ая**, **-ое** 1 ўзига бино қўйган, гердайган, манман, мутакаббир; **~ый вид** гердайган кўриниш; 2 баландпарвоз, дабдабали, тамтароқли; **~ая речь** дабдабали нутқ.

НАПЯ́ЛИВАТЬ *несов. см.* **напя́лить**.

НАПЯ́ЛИВАТЬСЯ, **-ается** *несов.* 1 **напя́литься**; 2 *страд. от* **напя́ливать**.

www.ziyouz.com kutubxonasi

НАПЯ́ЛИТЬ *сов.* (*несов.* **напя́ливать**) *что* 1 *на что* кериб (тортиб) қўймоқ, тортиб кийдирмоқ; ~ **ткань для вышива́ния** кашта тикиш учун матони гардишга тортмоқ; 2 *на кого-что прост.* тортиб (зўрлаб) кийдирмоқ; аранг кийиб олмоқ; ~ **сапо́г** этикни тортиб аранг кийиб олмоқ; 3 *прост.* беўхшов (ярашмаган) кийимни илиб олмоқ; ~ **старомо́дную шля́пу** модадан қолган шляпани бошига илиб олмоқ.

НАПЯ́ЛИТЬСЯ, -ится *сов.* (*несов.* **напя́ливаться**) зўрға сиғмоқ, аранг кийилмоқ.

НАРАБА́ТЫВАТЬ *несов. см.* **нарабо́тать.**

НАРАБА́ТЫВАТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **нарабо́таться;** 2 *страд. от* **нараба́тывать.**

НАРАБО́ТАТЬ *сов.* (*несов.* **нараба́тывать**) *что* и *чего разг.* 1 ишлаб бир миқдор нарса ясамоқ, тайёрламоқ; ~ **дета́лей** бир қанча деталь ясамоқ; 2 ишлаб бир миқдор пул топмоқ, ишламоқ; ~ **де́нег** ишлаб пул топмоқ, пул ишламоқ.

НАРАБО́ТАТЬСЯ (*несов.* **нараба́тываться**) 1 хўп ишламоқ, роса ишламоқ; 2 ишлаб чарчамоқ.

НАРА́ВНЕ *нареч.* 1 баравар, бир текис, бир текисда, бир хилда, бир қаторда; **самолёт шёл ~ с облака́ми** самолёт булутлар билан баравар учарди; 2 тенг, бир хилда, бирдек; ....**Авдо́тья Андре́евна воспи́тывала меня́ ~ со свое́ю племя́нницею** (Пушкин) ...Авдотья Андреевна мени ўз жияни билан бирдек тарбиялар эди; 3 тенг ҳуқуқда, баравар, баб-баравар; **в СССР же́нщины по́льзуются пра́вом изби́рать и быть и́збранными ~ с мужчи́нами** СССРда хотин-қизлар эркаклар билан баб-баравар сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эгадирлар.

НАРА́Д/ОВАТЬСЯ *сов. на кого-что, кому-чему* и *без доп.* роса (хўп, кўп) суюнмоқ, чексиз қувонмоқ, жуда хурсанд бўлмоқ; **мать не ~уется на дете́й** онанинг фарзандларидан хурсандлиги ичига сиғмайди (фарзандларидан хурсандлигининг чеки йўқ).

НАРАСПА́ШКУ *нареч. разг.* олди очиқ, тугмаси солинмаган; ёқавайрон; **носи́ть пальто́** ~ пальтони тугмаларини солмасдан кийиб юрмоқ; ✦ **душа́** ~ оққўнгил (кўнгли очиқ) одам, дали-ғули, бир қоп ёнғоқ; **жить (или жизнь, житьё)** ~ бой яшамоқ, ғарра-шарра еб-ичмоқ.

НАРАСПЕ́В *нареч.* куйлагандек, оҳанг (қироат) билан, қироатини келтириб; чўзиб-чўзиб; **говори́ть** ~ оҳанг (қироат) билан гапирмоқ, куйлагандек сўзламоқ.

НАРАСТА́ТЬ, -а́ет *несов.* 1 *см.* **нарасти́;** 2 кучаймоқ, зўраймоқ, ошмоқ, ошиб (ортиб) бормоқ, ўсмоқ; **непреры́вно ~ет трудова́я акти́вность сове́тских люде́й** совет кишиларининг меҳнатдаги активлиги тобора ўсмоқда; **во всём ми́ре ~ет движе́ние сторо́нников ми́ра** бутун жаҳонда тинчлик тарафдорларининг ҳаракати кучайиб бормоқда.

НАРАСТА́ЮЩ/ИЙ, -ая, -ее ўсиб (зўрайиб, кучайиб) борувчи, жадаллашиб (тезлашиб) борадиган (бораётган), тезлашувчи, ўсувчи; **~ий шум** кучайиб бораётган шовқин; **~ий кри́зис** кучайиб бораётган кризис; **~ая ско́рость** ошиб борувчи (бораётган) тезлик.

НАРАСТИ́, -тёт; -ро́с, -росла́ *сов.* (*несов.* **нараста́ть**) 1 бирор нарса устида (юзида, бетида) ўсмоқ, унмоқ, кўкармоқ; ўсиб қоплаб олмоқ; **мох наро́с на камня́х** тошларнинг устини йўсин қоплаб олди; 2 бир миқдор ўсмоқ, унмоқ, кўкармоқ, ўсиб чиқмоқ; **в саду́ наросло́ мно́го дере́вьев** боғда кўп дарахт ўсди, 3 ўсмоқ, ошмоқ, кўпаймоқ; кўпайиб кетмоқ; туғмоқ; **долги́ наросли́** қарзлар кўпайиб кетди; **на вклад наросли́ больши́е проце́нты** омонатга қўйилган пул катта процент туғди.

НАРАСТИ́ТЬ, -ащу́, -асти́шь *сов.* (*несов.* **нара́щивать** и **наращя́ть**) 1 *что* ўстирмоқ; қўймоқ; битиртирмоқ; ~ **му́скулы** мускулларни ўстирмоқ; ~ **усы́** мўйлов қўймоқ; ~ **но́вую ко́жу** янги эт битиртирмоқ; 2 *что* уламоқ, улаб узайтирмоқ; ~ **верёвку** арқонни улаб узайтирмоқ; 3 *что* и *чего разг.* бир миқдор ўстирмоқ (кўкартирмоқ, етиштирмоқ); ~ **овоще́й** бир миқдор сабзавот ўстирмоқ.

НАРАСХВА́Т *нареч. разг.* 1 талашиб, талашиб-тортишиб, қўл-қўлга тегмай; қўлни қўлга тегизмай; **брать** *что-л.* ~ бирор нарсани талашиб (қўлни қўлга тегизмай) олиб кетмоқ; **2** *в знач. сказ.* **талаш; бозори чаққон; стро́ители бы́ли** ~ қурувчилар талаш эди; қурувчиларнинг бозори чаққон эди.

НАРАЩА́ТЬ *несов. уст. см.* **нарасти́ть.**

НАРАЩЕ́НИЕ *с* 1 *по гл.* **нарасти́ть — наращя́ть;** 2 уланган жой, нарса, улоқ; **про́чное ~** пухта улоқ.

НАРА́ЩИВАНИЕ *с по гл.* **нара́щивать; ~ те́мпов строи́тельства** қурилиш суръатларини ошириш.

НАРА́ЩИВА/ТЬ *несов. что* 1 *см.* **нарасти́ть;** 2 оширмоқ, кучайтирмоқ; **из го́да в год Узбекиста́н ~ет план сда́чи госуда́рству «бе́лого зо́лота»** Ўзбекистон давлатга «оқ олтин» топшириш планини йилдан-йилга ошириб бормоқда.

НАРА́ЩИВА/ТЬСЯ, -ается *несов.* 1 ўсмоқ, ошмоқ, кучаймоқ; **~ются те́мпы произво́дства** ишлаб чиқариш суръатлари ошмоқда; 2 *страд. от* **нара́щивать.**

НАРВА́Л *м то же, что* **единоро́г.**

НАРВА́ТЬ I *сов. что* и *чего* 1 бир миқдор узмоқ, юлмоқ, термоқ; териб (узиб, юлиб) олмоқ, териб (узиб, юлиб) қўймоқ; ~ **цвето́в** бир миқдор гул термоқ; 2 бир миқдор йиртмоқ, йиртиб (бурдалаб) ташламоқ; ~ **бума́ги** бир миқдор қоғоз йиртмоқ; 3 бир миқдор кавлаб (қазиб) чиқармоқ (олмоқ); ~ **це́лые го́ры камне́й** бир уюм тош қазиб чиқармоқ; ✦ ~ **у́ши** *кому прост.* қулоғини чўзиб қўймоқ.

НАРВА́/ТЬ II, -вёт *сов.* (*несов.* **нарыва́ть** II) маддаламоқ, йирингламоқ, фасод боғламоқ; **у него́ па́лец ~л** унинг бармоғи йиринглапти.

НАРЫВА́ТЬСЯ *сов.* (*несов.* **нарыва́ться** I) *на кого-что разг.* дуч (тўқнаш) келмоқ, учрамоқ, йўлиқмоқ; ~ **на патру́ль** патрулга дуч келмоқ; ~ **на неприя́тности** кўнгилсиз воқеага учрамоқ, ўзига нохушлик (кўнгилсизлик) орттирмоқ.

НАРЕ́З *м* 1 кесик, кертик; нарезка; **винтово́й** ~ бурама кертик; бурама нарезка; 2 *ист.* ажратиб берилган ер бўлаги, чек ер.

НАРЕ́ЗАТЬ, -е́жу, -е́жешь *сов.* (*несов.* **наreза́ть** и **нарезывать**) 1 *что* и *чего* бир миқдор кесмоқ, қирқмоқ, тўғрамоқ, кесиб (қирқиб, тўғраб) қўймоқ; ~ **хле́ба** нон кесиб қўймоқ; 2 *что спец.* кесмоқ, кертмоқ, нарезка қилмоқ; ~ **винт** винт кесмоқ; 3 *что* и *чего* ер (чек) ажратиб (бўлиб) бермоқ; ~ **уча́стки под индивидуа́льное строи́тельство** якка тартибда уй қуриш учун ер (участка) ажратиб бермоқ; 4 *что* и *чего* бир миқдор кесмоқ, қирқмоқ, бутамоқ, кесиб олмоқ, тайёрламоқ; ~ **ве́ток** новдалар кесиб олмоқ; 5 *что* и *кого-чего* бир миқдор сўймоқ; ~ **у́ток** ўрдаклар сўймоқ; 6 *что* ўймоқ, ўйма нақш солмоқ; **гравю́ра, наре́занная незауря́дным худо́жником** моҳир санъаткор томонидан ўйилган гравюра; 7 ботмоқ, ботиб кесиб юбормоқ.

НАРЕ́ЗАТЬ *несов. см.* **наре́зать.**

НАРЕ́ЗА/ТЬСЯ, -е́жусь, -е́жешься *сов.* (*несов.* **наreза́ться** II и **нарезываться** II) 1 кесилмоқ, қирқилмоқ; **сыр то́нко ~лся** сир юпқа қирқилди; 2 *груб. прост.* ичиб маст бўлмоқ; **~ться до бесчу́вствия** ҳушидан кетгунча ичмоқ; ичиб ўзини билмас даражада маст бўлмоқ.

НАРЕЗА́ТЬСЯ I, -а́ется *несов. страд. от* **нареза́ть.**

НАРЕЗА́ТЬСЯ II *несов. см.* **наре́заться.**

НАРЕ́ЗКА *ж* 1 *по гл.* **наре́зать — нареза́ть;** 2 резьба, нарезка, сой; ~ **ствола́** ствол нарезкаси (сойи).

НАРЕЗН/ОЙ, -а́я, -о́е нарезкали; резьбали; сойли; **~а́я часть ствола́** стволнинг нарезкали (сойли) қисми.

НАРЕ́ЗЫВАТЬ *несов. см.* **нареза́ть.**

НАРЕ́ЗЫВАТЬСЯ I, -ается *несов. страд. от* **наре́зывать.**

НАРЕ́ЗЫВАТЬСЯ II *несов. см.* **наре́заться.**

НАРЕКА́НИ/Е *с* таъна, танбеҳ, койиш, маломат, гап; **вы́звать ~я** маломатга (гапга) қолмоқ; **подверга́ться ~ям** гап эшитмоқ; гап тегмоқ, гапга қолмоқ.

НАРЕКА́ТЬ *несов. см.* **наре́чь.**

НАРЕКА́ТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **наре́чься;** 2 *страд. от* **нарека́ть.**

НАРЕЧЁ́НН/ЫЙ, -ая, -ое 1 *прич. от* **нарека́ть;** 2 *в знач. прил.* аталган, унаштирилб (айтилиб) қўйилган; **~ая неве́ста** унаштириб қўйилган қайлиқ (қиз); 3 *в знач. сущ.* **~ый** *м* айтилиб (унаштириб) қўйилган йигит; **~ая** *ж* айтилиб (унаштириб) қўйилган қиз.

www.ziyouz.com kutubxonasi

НАРЕ́ЧИЕ I *с лингв.* лаҳжа; **северновеликору́сское ~** шимолий великорус лаҳжаси.

НАРЕ́ЧИЕ II *с грам.* равиш.

НАРЕ́ЧНЫ/Й, -ая, -ое *грам.* равишга оид; равишли; равиш...; **~е сочета́ния** равишли бирикма.

НАРЕ́ЧЬ, -еку́, -ечёшь; -ёк, -екла́ *сов.* (*несов.* **нарека́ть**) *уст.* 1 атамоқ, номламоқ, ном (исм) бермоқ, от қўймоқ; **~ ребёнка Ива́ном** болага Иван деб от қўймоқ; 2 белгиламоқ, тайинламоқ, деб эълон қилмоқ; **~ кого-н. свои́м прее́мником** бирор кимсани ўзининг вориси деб эълон қилмоқ (ворис қилиб тайинламоқ).

НАРЕ́ЧЬСЯ, -ку́сь, -ечёшься; -ёкся, -еклась *сов.* (*несов.* **нарека́ться**) *уст.* 1 аталмоқ, ном олмоқ; 2 айтилиб (унаштириб) қўйилмоқ.

НАРЗА́Н *м* нарзан, нарзан суви.

НАРЗА́ННЫ/Й, -ая, -ое нарзанга оид; нарзанли; нарзан...; **~й исто́чник** нарзан манбаи (булоғи); **~е ва́нны** нарзан ваннаси.

НАРИСОВА́/ТЬ, -су́ю, -су́ешь *сов. кого-что* 1 суратини (расмини) чизмоқ, солмоқ; **~ть портре́т** портрет чизмоқ; 2 *перен.* тасвирлаб (айтиб) бермоқ, гавдалантирмоқ; **свиде́тель правди́во ~л карти́ну происше́ствия** гувоҳ бўлиб ўтган ҳодисани ҳаққоний тасвирлаб (айтиб) берди; 3 *перен.* тасаввур қилмоқ, кўз олдига келтирмоқ; **~ть бу́дущее** келажакни тасаввур қилмоқ.

НАРИЦАТЕЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое 1: **и́мя ~ое** 1) турдош от; 2) турдош ном, умумий ном; 2: **~ая сто́имость** *спец.* устига ёзиб қўйилган қиймат (пул, облигация ва ш. к. да).

НАРКО́З *м* 1 *мед.* наркоз (оғриқ сезмайдиган ёки беҳуш қилиш; этни ўлдириш); **опери́ровать под ~ом** наркоз остида (этни ўлдириб ёки беҳуш қилиб) операция қилмоқ; 2 *разг.* наркотик модда, наркотик, наркоз; **дать больно́му ~** беморга наркоз бермоқ.

НАРКО́ЛОГ *м* нарколог, наркология мутахассиси.

НАРКОЛОГИ́ЧЕСКИЙ, -ая, -ое наркологияга оид; наркологик; наркология...; **~ кабине́т** наркологик кабинет.

НАРКОЛО́ГИЯ *ж* наркология (медицинанинг наркотик моддаларни истеъмол қилиш оқибатлари ва наркоманларни даволаш билан шуғулланадиган бўлими).

НАРКО́М *м* (наро́дный комисса́р) *ист.* нарком, халқ комиссари.

НАРКОМА́Н *м* наркоман, банги (гиёванд, нашаванд, кўкнори одам).

НАРКОМА́НИЯ *ж* наркомания, бангилик (гиёвандлик, нашавандлик, кўкнорилик).

НАРКОМА́НКА *ж, р. мн.* **-нок** *см.* **наркома́н.**

НАРКОМА́Т *м* (наро́дный комиссариа́т) *ист.* наркомат, халқ комиссарлиги.

НАРКО́ТИК *м* 1 наркотик модда; 2 *разг. то же, что* **наркома́н.**

НАРКОТИ́ЧЕСК/ИЙ, -ая, -ое 1 наркотик, беҳуш (маст, карахт) қиладиган, ухлатадиган, этни ўлдирадиган; **~ие сре́дства** наркотик воситалар; 2 наркозга оид, наркотик; **~ое состоя́ние** наркотик ҳолат (наркоз остидаги беҳушлик ёки оғриқ сезмаслик).

НАРО́Д *м* 1 халқ, аҳоли; **сове́тский ~ — ~-созида́тель** совет халқи — бунёдкор халқ; 2 халқ, миллат; **вели́кий ру́сский ~** улуғ рус халқи; **дру́жба ~ов Сове́тского Сою́за** Совет Иттифоқи халқлари дўстлиги; 3 оддий кишилар, одамлар, халқ; **вы́ходцы из ~а** халқ орасидан етишиб чиққан кишилар; **трудово́й ~** меҳнаткаш халқ, меҳнат аҳли; 4 одамлар, халойиқ, халқ, мардум; **пло́щадь запо́лнена ~ом** майдон одамлар билан лиқ тўла; майдонда халойиқ тиқилиб кетган; **на собра́нии бы́ло ма́ло ~у** мажлисда одам кам бўлди; ✦ **просто́й ~** и *уст.* **чёрный (или по́длый) ~** авом, қора халқ (эксплуататорлик жамиятида); **на ~е** жамиятда, кишилар (халқ, эл-юрт) орасида; кишилар билан; **на весь ~** ҳаммага эшиттириб, жар солиб, ошкора.

НАРОДИ́ТЬ, -ожу́, -оди́шь *сов. что* и *кого-чего разг.* кўп туғмоқ, туғиб бермоқ, болаламоқ; **~ детей** кўп бола туғмоқ; кўп бола туғиб бермоқ (ташламоқ).

НАРОДИ́/ТЬСЯ *сов.* (*несов.* **нарожда́ться**) 1 туғилмоқ, дунёга келмоқ; туғилиб кўпайиб кетмоқ, урчимоқ; **~лась двойня** эгизак туғилди; **~лось молодо́е поколе́ние** ёш авлод вужудга келди; 2 *книжн.* вужудга (бунёдга) келмоқ, пайдо бўлмоқ; **~лись но́вые о́трасли промы́шленности** саноатнинг янги тармоқлари вужудга келди; 3 *безл. разг.* мўл-кўл бўлмоқ (ҳосил ҳақида); ✦ **ме́сяц ~лся** *прост.* янги ой туғилди (кўринди).

НАРО́ДНИК *м* народник (народниклик тарафдори).

НАРО́ДНИЦА *ж см.* **наро́дник.**

НАРО́ДНИЧЕСКИ/Й, -ая, -ое народникларга оид, хос; народниклик...; народник(лар)...; **~е иде́и** народниклик ғоялари.

НАРО́ДНИЧЕСТВО *с* народниклик (Россиядаги озодлик курашининг буржуа-демократик босқичида разночин интеллигенция ҳаракати ва идеологияси).

НАРО́ДНО-ДЕМОКРАТИ́ЧЕСКИЙ, -ая, -ое халқ-демократик; халқ-демократияси...; **~ стро́й** халқ-демократик тузуми.

НАРО́ДНО-ОСВОБОДИТЕ́ЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое халқ озодлигига оид, қаратилган; халқ-озодлик...; **~ое движе́ние** халқ-озодлик ҳаракати; **~ые а́рмии** халқ-озодлик армиялари.

НАРО́ДНОСТ/Ь *ж* 1 халқ, элат; **~и Се́вера** Шимол халқлари (элатлари); 2 халқчиллик, халққа яқинлик; **~ь сове́тской поэ́зии** совет поэзиясининг халқчиллиги.

НАРОДНОХОЗЯ́ЙСТВЕННЫЙ, -ая, -ое халқ хўжалигига оид; халқ хўжалиги...; **~ план** халқ хўжалик плани.

НАРО́ДН/ЫЙ, -ая, -ое; -ден, -дна 1 халққа (халқ оммасига) оид, мансуб; оммавий; халқ...; **~ые ма́ссы** халқ оммаси; **~ое иску́сство** халқ санъати; **стра́ны ~ой демокра́тии** халқ демократияси мамлакатлари; **~ые гуля́нья** оммавий сайллар; 2 халқчил, халққа яқин; **поэ́зия Пу́шкина глубоко́ ~а** Пушкин поэзияси ниҳоятда халқчилдир; 3 халққа (давлатга) қарашли, халқники, давлатники; халқ...; давлат...; **~ое бога́тство** халқ бойлиги; **~ое хозя́йство** халқ хўжалиги; 4 баъзи совет ташкилотларининг номи таркибида; халқ томонидан белгилаб (сайлаб) қўйилган; халқ...; **~ый суд** халқ суди; **~ый контро́ль** халқ контроли; 5 СССРда баъзи фахрий унвонлар таркибига киради; **~ый арти́ст респу́блики** республика халқ артисти; 6 революциядан илгариги Россияда: оддий халқ учун белгиланган; халқ...; **~ые учи́лища** халқ мактаблари; ✦ **«Наро́дная во́ля»** народниклар ташкилотининг номи.

НАРОДОВЛА́СТИ/Е *с* халқ ҳокимияти; **Сове́ты — о́рганы ~я** Советлар халқ ҳокимияти органидир.

НАРОДОВО́ЛЕЦ *м, р.* **-льца** народоволец («Народная воля» ташкилотининг аъзоси).

НАРОДОВО́ЛКА *ж, р. мн.* **-лок** *см.* **народово́лец.**

НАРОДОВО́ЛЬЧЕСКИЙ, -ая, -ое народовольчиликка ва народоволецларга оид; народовольчилик..., народоволец(лар)...

НАРОДОВО́ЛЬЧЕСТВО *с* народовольчилик («Народная воля» раҳбарлигида олиб борилган ижтимоий-сиёсий ҳаракат).

НАРОДОНАСЕЛЕ́НИЕ *с* аҳоли, нуфус, халқ.

НАРОЖА́ТЬ *сов. что* и *кого-чего разг. то же, что* **народи́ть.**

НАРОЖДА́ТЬСЯ, -а́ется *несов. см.* **народи́ться.**

НАРО́СТ *м* 1 ўсиб (ёпишиб) ҳосил бўлган қатлам, ўсимта, қатқалоқ, қасмоқ; **очища́ть ко́рпус су́дна от ледяны́х ~ов** кема корпусини ёпишиб қолган муз қатламларидан тозаламоқ; **образова́лся ~ на сте́нках котла́** қозон деворлари қасмоқ боғлабди; 2 ортиқ; буқоқ, ўсимта (баъзи ҳайвон ва ўсимликларда); **гу́си с ~ами на носа́х** бурнининг тепасида ортиғи бўлган ғоз; 3 ғудда, шиш, буқоқ, дўмбоқ; **~ на стволе́ де́рева** дарахт танасидаги буқоқ; **~ы на сги́бах па́льцев** бармоқ бўғинларидаги ғудда; 4 *перен.* кейин ҳосил бўлган (юзага келган, орттирилган) иллат, нуқсон; **уме́ть отлича́ть и́стинное, есте́ственное от ~ов** ҳақиқий, табиий нарсани кейин орттирилган иллатлардан фарқ қила билмоқ.

НАРО́ЧИТО *нареч.* атайин, атайлаб, жўрттага, қасдан.

НАРО́ЧИТ/ЫЙ, -ая, -ое жўрттага (атайлаб, била туриб, қасдан) қилинган; **~ая гру́бость** атайлаб қилинган қўпол лик.

НАРО́ЧНО *нареч.* 1 атайин, атайлаб, жўрттага, қасдан; **~ сде́лать** *что-л.* атайлаб (қасдан) бирор нарса қилмоқ; 2 *разг.* ҳазиллашиб, ҳазил қилиб; **не серди́сь, он ведь**

www.ziyouz.com kutubxonasi

~ сказа́л жа́хлинг чиқмасин, у ҳазил қилиб гапирдику; ✦ **как (бу́дто, сло́вно, то́чно) ~** *в знач. вводн. сл.* ўчакишгандай, қасд қилгандай, аксига олиб.

НАРО́ЧНЫ/Й *м, р.* **-ого** чопар; **посла́ть паке́т с ~м** пакетни чопардан бериб юбормоқ.

НАРСУД *м* (наро́дный суд) халқ суди.

НА́РТЫ *мн.* и **НА́РТА** *ж* нарта, чана (шимолда: буғу ёки ит қўшиладиган чана).

НАРУБА́ТЬ *несов. см.* **наруби́ть.**

НАРУБИ́ТЬ, -уб|лю́, -у́бишь *сов.* (*несов.* **наруба́ть**) 1 *что* и *чего* бир миқдор нарса қирқмоқ, кесмоқ, ёрмоқ, тўғрамоқ; кесиб (қирқиб, ёриб, тўғраб) қўймоқ; **~ дров** ўтин ёриб қўймоқ; 2 *что* ўйиб (кесиб) ясамоқ, ҳосил қилмоқ; **~ ступе́ни** ўйиб (кесиб) поғоналар ҳосил қилмоқ.

НАРУ́ЖНОСТЬ *ж* ташқи (сиртқи) кўриниш, қиёфа, сиёҳ, важоҳат, тахлит, башара, афт-ангор; **у него́ прия́тная ~** унинг кўриниши чиройли (истараси иссиқ).

НАРУ́ЖН/ЫЙ, -ая, -ое 1 ташқи, сиртқи, ташқаридаги; **~ая охра́на** ташқи (ташқаридаги) соқчилар; **~ая стена́** ташқи девор; 2 сиртдан кўринган, ташқи, юзаки, ясама, зоҳирий; **~ое споко́йствие** юзаки осойишталик; ўзини хотиржам қилиб кўрсатиш; **~ые измене́ния** ташқи (зоҳирий) ўзгаришлар; 3 ичилмайдиган, сиртқи; **~ое лека́рство** сиртқи (ичилмайдиган) дори; 4 *в знач. сущ.* **~ое** *с* сиртқи дори.

НАРУ́ЖУ *нареч.* 1 ташқарига; **вы́йти ~** ташқарига чиқмоқ; **торча́ть ~** ташқарига туртиб чиқиб турмоқ; 2 тескарисини ағдариб (ўнгига қилиб), тескари; **оде́ть шу́бу ме́хом ~** пўстинни тескари (тескарисини ўнгига қилиб) кийиб олмоқ; 3 *перен.* ошкор, ошкора; **недоста́тки вы́ступили ~** камчиликлар ошкор бўлиб (очилиб) қолди; **вы́вести ~** сирини очмоқ, фош қилмоқ; ✦ **весь (вся) ~** *с кем* и *без доп.* кимса билан очиқ гапиришади, кимсадан сир яширмайди, сирдош; **всё ~** *у кого* и *без доп.* дилидаги тилида.

НАРУКА́ВНИКИ *мн.* (*ед.* **нарука́вник** *м*) 1 енглик, енгча (иш вақтида енг устидан кийилади); 2 *уст.* манжета (аёллар кўйлагида, блузасида); 3 *уст. то же, что* **нару́чники.**

НАРУКА́ВН/ЫЙ, -ая, -ое енгга тутиладиган, боғланадиган; тақиладиган, енгдаги; **~ая повя́зка** енгга тақиладиган (боғланадиган) лента, енгбоғ.

НАРУМЯ́НИВАТЬ *несов. см.* **нарумя́нить.**

НАРУМЯ́НИВАТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **нарумя́ниться;** 2 *страд. от* **нарумя́нивать.**

НАРУМЯ́НИ/ТЬ *сов.* (*несов.* **нарумя́нивать**) *что* 1 қизартирмоқ, қизартириб юбормоқ, қизил (қон) югуртирмоқ; **моро́з ~л щёки** совуқ ёноқларни (юзни) қизартириб юборди (ёноқларга қизил югуртирди); 2 қизил суртмоқ; **~ть щёки** юзига қизил суртмоқ.

НАРУМЯ́НИТЬСЯ *сов.* (*несов.* **нарумя́ниваться**) юзига қизил суртмоқ.

НАРУ́ЧНИКИ *мн.* (*ед.* **нару́чник** *м*) қўлкишан, билакка солинадиган кишан.

НАРУ́ЧНЫ/Й, -ая, -ое қўлга (билакка) тақиладиган; қўл...; **~е часы́** билакка тақиладиган соат, қўл соат.

НАРУША́ТЬ *несов. см.* **нару́шить.**

НАРУШЕ́НИЕ *с по гл.* **нару́шить** и **нару́шиться; ~ дисципли́ны** интизомни бузиш, интизомга риоя қилмаслик; интизомнинг бузилиши; **~ тишины́** тинчликни бузиш; тинчликнинг бузилиши; **~ пра́вил у́личного движе́ния** кўча ҳаракати қоидаларини бузиш; кўча ҳаракати қоидаларининг бузилиши.

НАРУШИ́ТЕЛ/Ь *м* бузувчи, бузғунчи; **~и обще́ственного поря́дка** жамоат тартибини бузувчилар; **~ь грани́цы** чегарани бузган (чегарадан яширинб, ғайриқонуний равишда ўтган) киши.

НАРУШИ́ТЕЛЬНИЦА *ж см.* **наруши́тель.**

НАРУШИ́ТЬ *сов.* (*несов.* **наруша́ть**) *что* 1 бузмоқ, издан чиқармоқ, барбод қилмоқ; халақит бермоқ; **~ чьи-н. пла́ны** кимсанинг планларини бузмоқ (барбод қилмоқ); **~ сон** уйқуни бузмоқ; **~ поко́й** тинчликни бузмоқ, безовта қилмоқ; 2 бузмоқ, риоя қилмаслик, бажармаслик; **~ поря́док** тартибни бузмоқ, тартибга риоя қилмаслик; **~ грани́цу** чегарани бузмоқ, чегарадан ғайриқонуний равишда ўтмоқ; **~ сло́во** ваъдани бузмоқ (бажармаслик); ваъданинг устидан чиқмаслик.

НАРУ́ШИ/ТЬСЯ, -ится *сов.* бузилмоқ, издан чиқмоқ, барбод бўлмоқ; **сон ~лся** уйқу бузилди.

НАРЦИ́СС *м* наргис, наркас(гул).

НАРЦИ́ССОВЫЙ, -ая, -ое наргисга (наркасга) оид; наргис...

НА́РЫ *мн.* сўри, кат.

НАРЫ́В *м* йирингли яра, чипқон, чиқиқ, зиндони.

НАРЫВА́ТЬ I *несов. см.* **нары́ть.**

НАРЫВА́ТЬ II *несов. см.* **нарва́ть II.**

НАРЫВА́ТЬСЯ I *несов. см.* **нарва́ться.**

НАРЫВА́ТЬСЯ II, -а́ется *несов. страд. от* **нарыва́ть I.**

НАРЫ́ТЬ, -ро́ю, -ро́ешь *сов.* (*несов.* **нарыва́ть I**) *что* и *чего* 1 бир миқдор ковлаб (қазиб) чиқармоқ, ковлаб олмоқ; **~ мешо́к карто́феля** бир қоп картошка ковламоқ; 2 бир миқдор (чуқур, ўра ва ҳ. к.) ковламоқ, қазимоқ; ковлаб (қазиб) қўймоқ; **~ око́пов** бир қанча окоп қазимоқ.

НАРЯ́Д I *м* кийим, либос; **краси́вый ~** кўркам либос; **пра́здничный ~** байрам либоси; **шутовско́й ~** масхарабоз кийими.

НАРЯ́Д II *м* наряд (1 берилган иш ҳақидаги оғзаки ёки ёзма фармойиш, буйруқ; **рабо́та по ~ам** наряд билан ишлаш; 2 мол олиш ёки бериш ҳақидаги ҳужжат; **~ на погру́зку** ортилган юк наряди; 3 *воен.* махсус хизмат вазифаларини бажариш учун ажратилган кишилар ёки қисм; **~ мили́ции** милиция наряди; **су́точный ~ во́инской ча́сти** ҳарбий қисмнинг бир суткалик наряди).

НАРЯДИ́ТЬ I, -яжу, -я́дишь и **-ядишь** *сов.* (*несов.* **напряга́ть** I) *кого-что* кийинтирмоқ ясантирмоқ; ясатмоқ, бежамоқ, безамоқ, зеб (оро) бермоқ; **~ неве́сту** келинни кийинтирмоқ (ясантирмоқ); **~ кло́уном** масхарабоз қилиб кийинтирмоқ, масхарабоз кийимини кийдирмоқ.

НАРЯДИ́ТЬ II, -яжу́, -ядишь *сов.* (*несов.* **наряжа́ть** II) 1 *кого-что* наряд (топшириқ) бермоқ, нарядга тайинламоқ (юбормоқ, жўнатмоқ); **~ в карау́л** қоровулликка тайинламоқ; **~ маши́ны за хло́пком** пахта ташиш учун машиналарни юбормоқ; 2 *что уст.* тузмоқ, тайинламоқ, белгиламоқ; **~ суд** суд белгиламоқ; суд қилмоқ; **~ сле́дствие** тергов бошлаш учун фармойиш бермоқ.

НАРЯДИ́ТЬСЯ. -яжу́сь, -я́дишься и **-ядишься** *сов.* (*несов.* **наряжа́ться** I) 1 ясанмоқ, безанмоқ, ўзига зеб (оро) бермоқ; **~ как на бал** балга борадигандек ясанмоқ; 2 кийинмоқ, бирор кийим кийиб олмоқ; кийиниб бирор қиёфага кирмоқ; **~ в ста́рое пла́тье** эски кийим кийиб олмоқ; **~ крестья́нкой** деҳконча кийиниб олмоқ.

НАРЯДН/ЫЙ I, -ая, -ое; -ден, -дна 1 яхши кийинган, ясанган, безанган, ясан-тусан, олифта, башанг; **~ая де́вочка** ясанган қизалоқ; 2 зийнатли, чиройли, кўркам, музайян; **~ое пла́тье** чиройли кўйлак; **~ый зо́нтик** зийнатли зонтик.

НАРЯДН/ЫЙ II, -ая, -ое 1 нарядли, наряд бўйича қилинадиган; **~ая рабо́та** нарядли иш; 2 *в знач. сущ.* **~ая** *ж разг.* ишга наряд бериладиган хона (жой); нарядхона.

НАРЯДУ́ *нареч. с кем-чем* 1 баравар, қаторига, бир қаторга, тенг қилиб; **успе́х на олимпиа́де поста́вил его́ ~ с лу́чшими спортсме́нами** олимпиадада эришган муваффақиятлари уни энг яхши спортчилар қаторига чиқарди; 2 баравар, бир ҳуқуқда, бир хил; қатори; **~ со все́ми** ҳамма қатори; ✦ **~ с э́тим** шу билан бирга, шу билан бир қаторда.

НАРЯДЧИК *м* нарядчи, наряд берувчи, иш топширувчи, ишга тайинловчи.

НАРЯДЧИЦА *ж см.* **наря́дчик.**

НАРЯЖА́ТЬ I *несов. см.* **наряди́ть I.**

НАРЯЖА́ТЬ II *несов. см.* **наряди́ть II.**

НАРЯЖА́ТЬСЯ I *несов. см.* **наряди́ться.**

НАРЯЖА́ТЬСЯ II, -а́ется *несов. страд. от* **наряжа́ть II.**

нас *см.* **мы; нас не запуга́ть** бизни қўрқитиб бўлмайди, бизни қўрқита олмайди(лар); **о нас бу́дут по́мнить на́ши де́ти** болаларимиз бизни унутмайдилар.

НАСАДИ́ТЬ I, -ажу́, -а́дишь *сов.* (*несов.* **наса́живать** I) 1 *что* и *кого-чего разг.* бир миқдор ўтиргизмоқ, ўтқазмоқ; жойлаштирмоқ; **~ дете́й в маши́ну** болаларни машинага ўтиргизмоқ; 2 *что* и *чего* бир миқдор экмоқ, ўтқаз-

www.ziyouz.com kutubxonasi

моқ; экиб (ўтқазиб) барпо қилмоқ; ~ **помидо́ров** помидор ўтқазмоқ; ~ **сад** дарахт ўтқазиб боғ қилмоқ.

НАСАДИ́ТЬ II, -ажу́, -а́дишь *сов. (несов.* **наса́живать** II) *кого-что на что* 1 қоқиб (уриб) ўрнатмоқ, кийдирмоқ; ~ **топо́р на топори́ще** болтани дастага ўрнатмоқ; болтани сопламоқ; 2 ўрнатмоқ, илмоқ; ~ **червяка́ на крючо́к** қармоққа чувалчанг илмоқ.

НАСАДИ́ТЬ III, -ади́шь *сов. см.* **насажда́ть.**

НАСА́ДКА *ж, р.* **-док** 1 *по гл.* **насади́ть** II; 2 хўрак, ем (қармоққа, тузоққа, қопқонга қўйиладиган ем); 3 *спец.* насадка, учлик.

НАСА́ЖАТЬ *сов. (несов.* **наса́живать** I) 1 *то же, что* **насади́ть** I; 2 *чего прост.* уриб кўкартирмоқ, шиш қилмоқ; ~ **синяко́в** уриб ҳамма ёғини кўкартирмоқ.

НАСАЖДА́ТЬ *несов. (сов.* **насади́ть** III) *что книжн.* жорий қилмоқ, ўрнатмоқ, тарқатмоқ, ёймоқ, сингдирмоқ; *расм қилмоқ;* ~ **просвеще́ние** маърифат тарқатмоқ; ~ **но́вую те́хнику** янги техникани ёймоқ (жорий қилмоқ).

НАСАЖДЕ́НИ/Е *с* 1 *по гл.* **насади́ть** 1, 2 и **насажда́ть; ~е полезащи́тных лесны́х поло́с** иҳота ўрмонлари ўтқазиш; ~**е дисципли́ны** интизом ўрнатиш; 2 *мн.* ~**я** ўтқазилган (экилган) дарахтлар (кўчатлар); дарахтзор; **лесозащи́тные ~я** иҳота дарахтлари.

НАСА́ЖИВАТЬ I *несов. см.* **насади́ть** I и **насажа́ть** I.

НАСА́ЖИВАТЬ II *несов. см.* **насади́ть** II.

НАСА́ЖИВАТЬСЯ, -ается *несов. см.* **насе́сть** I.

НАСА́ЛИВАТЬ I *несов. см.* **наса́лить.**

НАСА́ЛИВАТЬ II *несов. см.* **наса́лить.**

НАСА́ЛИТЬ *сов. (несов.* **наса́ливать** I) *что разг.* мойламоқ; ёғламоқ; мой (ёғ) суртмоқ.

НАСА́СЫВАТЬ *несов.* 1 *см.* **насоса́ть;** 2 *что* қаттиқ эммоқ, тез-тез тортмоқ, сўрмоқ.

НАСАСЫВА́ТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **насоса́ться;** 2 *страд. от* **наса́сывать.**

НАСАХА́РИВАТЬ *несов. см.* **наса́харить.**

НАСАХА́РИТЬ *сов. (несов.* **наса́харивать**) *что* шакарламоқ, шакар сепмоқ, қанд солмоқ; ~ **те́сто** хамирни шакарламоқ.

НАСВИ́СТЫВА/ТЬ *несов. что* и *без доп.* 1 секин ҳуштак чалмоқ; ҳуштак билан куй чалмоқ; ~**ть пе́сенку** ҳуштак билан ашула куйини чалмоқ; 2 сайрамоқ, чирилламоқ; **пти́цы ~ют в лесу́** ўрмонда қушлар сайрамоқда (чирилламоқда).

НАСЕВА́ТЬ *несов. см.* **насе́ять.**

НАСЕДА́ТЬ *несов.* 1 *см.* **насе́сть** II: 2 *разг.* босиб (бостириб) бормоқ, сиқиб келмоқ (бормоқ); ~ **на фланг проти́вника** душманнинг ён қанотидан сиқиб бормоқ.

НАСЕ́ДКА *ж, р. мн.* **-док** курк товуқ, тухум босган товуқ.

НАСЕ́ИВАТЬ *несов. см.* **насе́ять.**

НАСЕКА́ТЬ *несов. см.* **насе́чь.**

НАСЕКОМОЯ́ДНЫ/Й, -ая, -ое 1 ҳашаротхўр, ҳашарот еб яшайдиган; 2 *в знач. сущ.* ~**е** *мн. зоол.* ҳашаротхўрлар.

НАСЕКО́МЫЕ *мн., р.* **-ых** *(ед.* **насеко́мое** *с)* ҳашарот, қурт-қумурсқа.

НАСЕЛЕ́НИ/Е *с* 1 *по гл.* **насели́ть** и **насели́ться;** 2 аҳоли, халқ, нуфус; ~**е страны́** мамлакат аҳолиси; **пе́репись ~я** аҳолини рўйхатга олиш, аҳоли рўйхати.

НАСЕЛЁННОСТЬ *ж* аҳолининг зичлиги, оз-кўплиги.

НАСЕЛЁННЫЙ, -ая, -ое 1 *прич. от* **насели́ть;** 2 *в знач. прил.* одам турадиган, халқ жойлашган, аҳолиси бор (зич, кўп), одам кўчиб кирган (борган), обод; ~ **райо́н** аҳолиси кўп (обод) район; ~ **пункт** аҳоли яшайдиган пункт, халқ турадиган жой (шаҳар, қишлоқ, посёлка ва ҳ. к.).

НАСЕЛИ́ТЬ *сов. (несов.* **населя́ть**) *что* 1 одам қўймоқ, одам қўйиб ишғол қилмоқ, одамлар ўрнаштирмоқ, жойлаштирмоқ, кўчириб бориб обод қилмоқ; ~ **целину́** қўриқ ерга одам кўчириб бориб обод қилмоқ; 2 ишғол бўлмоқ, эгалламоқ, ўрнашмоқ, жойлашмоқ; **леса́ населены́ зве́рем** ўрмонни ваҳший ҳайвонлар эгаллаган.

НАСЕЛЯ/ТЬ *несов.* 1 *см.* **насели́ть;** 2 аҳоли(си)ни ташкил этмоқ, яшамоқ, турмоқ; **наро́ды, ~ющие на́шу Ро́дину** Ватанимиз аҳолисини ташкил этган халқлар, ватанимизда яшаб турган халқлар.

НАСЕ́СТ *м* қўноқ, қўндоқ (мас., товуқхонада).

НАСЕ/СТЬ I, -ся́ду, -ся́дешь *сов. (несов.* **наса́живаться**) кўп (кўплашиб) ўтирмоқ; жойлашмоқ, чиқмоқ (тушмоқ), чиқиб (тушиб) олмоқ; **в авто́бус ~ло мно́го наро́ду** автобусга кўп одам тушди (чиқди).

НАСЕ/СТЬ II *сов. (несов.* **наседа́ть**) *на кого-что* 1 **-ся́дет** босмоқ, қопламоқ, ўтирмоқ; **на ме́бель ~ла пыль** мебелни чанг босипти; 2 **-ся́ду, -ся́дешь** устига ўзини ташламоқ, ташланмоқ, босиб олмоқ; сиқиб (ёпирилиб, босиб) бормоқ (келмоқ); **дво́е ~ли на одного́** икки киши бир одамга ташланди (бир одамни босиб олди); 3 **-ся́ду, -ся́дешь** *перен.* қаттиқ туриб (қўярда-қўймай) талаб қилмоқ; қийин-қистовга олмоқ; **на него́ ~ли с про́сьбами** уни илтимослар билан қийин-қистовга олишди.

НАСЕЧК/А *ж, р. мн.* **-чек** 1 *по гл.* **насе́чь;** 2 кертик, чекма; тиш; ~**а на жерновах** тегирмонтош тишлари; 3 чекма (ўйма) нақш; **седло́ с серебряной ~ой** ўйма нақшли кумуш қадалган эгар.

НАСЕ́ЧЬ, -еку́, -ечёшь; -е́к, -екла́ *сов. (несов.* **наса́ть**) 1 *что* чекмоқ, ўймоқ, белги солмоқ; ~ **ме́тки на брёвнах** ходаларга белги солмоқ, ходаларни белгилаб чиқмоқ; 2 *что* тишамоқ, тиш чиқармоқ; ~ **пилу́** аррани тишамоқ; 3 *что* и *чего* бир миқдор тўғрамоқ, қирқмоқ; майдалаб тўғраб (қирқиб) қўймоқ; ~ **капу́сты** бир миқдор карам тўғрамоқ.

НАСЕ́ЯТЬ *сов. (несов.* **насева́ть** и **насе́ивать**) *что* и *чего* 1 бир миқдор уруғ сепмоқ, экмоқ; сепиб (экиб) қўймоқ; ~ **пшени́цы** буғдой экиб қўймоқ; 2 бир миқдор эламоқ, элакдан ўтказмоқ, элаб қўймоқ; ~ **муки́** ун элаб қўймоқ.

НАСИДЕ́ТЬ, -ижу́, -иди́шь *сов. (несов.* **наси́живать**) *что* 1 тухум босиб ётмоқ, бола очгунча тухум босиб ўтирмоқ (товуқ ва паррандалар ҳақида); 2 ўтираверіб ситиб қўймоқ; 3 *прост.* ўтираверіб бирор шикаст (касаллик) орттирмоқ; ~ **геморро́й** ўтираверіб бавосил орттирмоқ.

НАСИ́ДЕТЬСЯ, -ижу́сь, -иди́шься *сов. разг.* 1 кўп (узоқ) ўтирмоқ, зериккунча (тўйгунча) ўтирмоқ, ўтириб қолмоқ (тўймоқ); ~ **до́ма** уйда узоқ ўтириб қолмоқ; ~ **в гостя́х** меҳмондорчиликда кўп (узоқ) ўтириб қолмоқ; 2 кўп вақт маҳрум бўлмоқ, ажрамоқ; ...сиз қолмоқ; ~ **без де́ла** кўп вақт ишсиз юрмоқ.

НАСИЖЕНН/ЫЙ, -ая, -ое *прич. от* **насиде́ть;** ✦ ~**ое ме́сто** (или **гнездо́**) ўрганган жой (турар жой, иш жойи); иссиқ ўрин; ~**ое яйцо́** бостирилган тухум, очилмай палағда бўлган тухум.

НАСИ́ЖИВАТЬ *несов. см.* **насиде́ть.**

НАСИЛИ/Е *с* 1 куч қўллаш (ишлатиш); кучини кўрсатиш, калтаклаш; калтак; **примени́ть ~е** зўрламоқ; куч ишлатмоқ; **следы́ ~я на те́ле** бадандаги калтак излари; 2 зўрлаш, мажбур қилиш, жабр, зулм; 3 зўрлик, зўравонлик, қонунсизлик; **Мы бо́ремся за избавле́ние от ~я, от угнете́ния, от нищеты́ деся́тков и со́тен миллио́нов наро́да** (Ленин) Биз ўнлаб, юзлаб миллион кишиларни зўравонликдан, жабр-зулмдан, қашшоқликдан озод қилиш учун курашмоқдамиз.

НАСИЛОВАТЬ *несов.* 1 *кого-что* зўрламоқ, зўравонлик (таадди) қилмоқ; мажбур этмоқ; ~ *чью-л.* **во́лю** бировнинг хоҳишига қарши иш қилмоқ, зўрламоқ; 2 *кого* зўрламоқ, номусига тегмоқ.

НАСИЛУ *нареч. разг.* зўрға, аранг, базўр, зўр-базўр; қийналиб; ~ **отде́лался** зўрға қутулдим; **я вас ~ узна́л** мен сизни зўрға танидим.

НАСИЛЬНИК *м* зўр, зўравон, зўрлик (жабр-зулм) қилувчи, жабрловчи, зулмкор.

НАСИЛЬНИЧЕСКИЙ, -ая, -ое зўрлик (зўравонлик) билан қилинган (қилинадиган), жабр-зулмга таянган (таянадиган), тажовузкорона.

НАСИЛЬНО *нареч.* зўрлаб, зўрлик билан, мажбуран; ~ **мил не бу́дешь** *погов.* зўрлик билан ёқиб бўлмайди (ёқолмайсан), севмаганга суйканма.

НАСИЛЬСТВЕНН/ЫЙ, -ая, -ое зўрлик (зўравонлик) билан қилинган, амалга оширилган, мажбурий, зўраки;

www.ziyouz.com kutubxonasi

~ые мéры мажбурий чоралар; ✦ **~ая смерть** қатл, ўлдириш; ғайритабиий ўлим.

НАСИ́НИВАТЬ *несов. см.* **насини́ть.**

НАСИНИ́ТЬ *сов.* (*несов.* **наси́нивать**) *что разг.* 1 кўкартирмоқ, кўкка бўямоқ; 2 *что* и *чего* бир миқдор синькаламоқ, синькалаб қўймоқ; ~ **всё бельё** ҳамма кирни синькаламоқ (синькага солмоқ).

НАСКА́БЛИВАТЬ *несов. см.* **наскобли́ть.**

НАСКАЗА́ТЬ, -ажу́, -а́жешь *сов.* (*несов.* **наска́зывать**) *разг. то же, что* **наговори́ть** 1, 2.

НАСКА́ЗЫВАТЬ *несов. см.* **наказа́ть.**

НАСКАКА/ТЬ, -ачу́, -а́чешь *сов. разг.* 1 (*несов.* **наска́кивать**) *на кого-что* от чоптириб (қўйиб) келаётиб ўзини урмоқ, уриб олмоқ, урилиб кетмоқ; ~**ть на забо́р** от чоптириб (қўйиб) келаётиб деворга урилиб кетмоқ; 2 чопиб келмоқ, от чоптириб келмоқ; **со всех сторо́н ~ли кавалери́сты** ҳамма ёқдан отлиқлар от чоптириб келишди.

НАСКА́КИВАТЬ *несов. см.* **наскака́ть** 1 и **наскочи́ть.**

НАСКА́ЛЬНЫ/Й, -ая, -ое *археол.* қояга ўйилган, қояга ўйиб ёзилган, солинган; ~**е изображе́ния** қояга ўйиб солинган тасвирлар.

НАСКАНДА́ЛИТЬ *сов. разг.* роса жанжал қилмоқ, тўполон (ғавғо) кўтармоқ.

НАСКВО́З *нареч.* 1 бир ёғидан иккинчи ёғига, ичидан (орасидан) ўтиб, тешиб ўтиб, ич-ичигача, нариёқ-бериёғига, паррон; **пу́ля проби́ла броню́** ~ ўқ зирҳни тешиб ўтди (зирҳдан паррон ўтиб кетди); **сапоги́ промо́кли** ~ этик ич-ичигача ҳўл бўлиб кетди; 2 *перен. разг.* бошдан-оёқ, бошдан охиригача, тамоман, бутунлай, бус-бутун; ~ **лжи́вое сообще́ние** тамоман (бутунлай) ёлғон хабар (ахборот); ✦ **ви́деть** (или **знать** и т. п.) *кого* ~ ким (қандай одам) эканлигини жуда яхши билмоқ, кўриб турмоқ.

НАСКОБЛИ́ТЬ *сов.* (*несов.* **наска́бливать**) 1 *что* и *чего* бир миқдор қирмоқ, қириб (қирғичлаб) қўймоқ, тайёрламоқ; ~ **сыр** бир миқдор пишлоқ қирмоқ (кесмоқ); 2 *разг. что* қириб (қиртишлаб) тозаламоқ; **полы́ в до́ме наско́блены** уйнинг поллари қиртишлаб тозаланган.

НАСКО́К *м разг.* 1 *по гл.* **наскочи́ть** 3, 4; 2 ҳамла, ҳужум, хуруж, босқин, тажовуз; ташланиш, ёпишиш; ~**и дерущихся петухо́в** уришаётган хўрозларнинг бир-бирига ташланиши; **кавалери́йский** ~ отлиқлар ҳужуми; 3 *в знач. нареч.* ~**ом** ўйлаб кўрмасдан, тайёрланмасдан, бирдан, ҳовлиқиб, ҳовлиқмалик билан; **де́йствовать ~ом** бирдан (ҳовлиқмалик билан) иш тутмоқ; ✦ **с ~а (с ~у)** 1) учиб бораётиб, югуриб келаётиб; 2) ўйламай-нетмай, тўсатдан, бехосдан, таппа.

НАСКО́ЛЬКО *нареч.* қанчалик, нечоғлик, нақадар, чандон; қай даражада; ~ **э́то ве́рно** бу қанчалик тўғри; ~ **возмо́жно** мумкин бўлган қадар, имкон борича, бақадри-ҳол; ~ **мне изве́стно, он уже́ прие́хал** билишимча, у келган; ~..., **наско́льк...** қанча (қанчалик)... бўлса, шунча (шунчалик)...; қандай... бўлса, шундай...

НАСКО́РО *нареч разг.* апил-тапил, апир-шапир, наридан-бери, тез, тезда, дарров; ~ **перекуси́ть** наридан-бери тамадди қилиб олмоқ.

НАСКО́ЧИ/ТЬ *сов.* (*несов.* **наска́кивать**) *на кого-что* 1 шиддат билан урилмоқ, уриб олмоқ, урилиб кетмоқ, тўқнашмоқ; ~**ть на прохо́жего** йўловчига урилиб кетмоқ; йўловчини уриб олмоқ; 2 *перен. разг.* йўлиқмоқ, учрамоқ, дуч келмоқ, дучор бўлмоқ; ~**ть на неприя́тность** кўнгилсиз воқеага дуч келмоқ. 3 бирдан ташланмоқ, ташлаб қолмоқ, сапчимоқ, ҳамла (ҳужум, човут) қилмоқ; **Он ~л на меня́, уда́рил голово́й в грудь** (Горький) У бирдан менга ташланиб, кўкрагимга калла солди; 4 *перен. разг.* бирдан ёпишмоқ, ёпишиб қолмоқ, ташланмоқ; ~**ть с упрёками** таънатазаррулар билан ташланмоқ.

НАСКРЕБА́ТЬ *несов. см.* **наскрести́.**

НАСКРЕСТИ́, -ребу́, -ребёшь; -рёб, -ребла́ *сов.* (*несов.* **наскреба́ть**) *что* и *чего* 1 қириб (қиртишлаб) олмоқ, қириштириб тўпламоқ (йиғмоқ); ~ **горсть со́ли** қириштириб бир сиқим туз йиғмоқ; 2 *перен. разг.* қириштириб (амалтақал қилиб) топмоқ; тўпламоқ; ~ **де́нег на доро́гу** амалтақал қилиб йўлга пул тўпламоқ.

НАСКУ́ЧАТЬСЯ *сов. разг.* роса (хўп) зерикмоқ, зерикиб кетмоқ.

НАСКУ́ЧИТЬ *сов. кому* зериктирмоқ, зериктириб юбормоқ, жонга тегмоқ, безор қилмоқ; ~ **всем свои́ми жа́лобами** шикоятлари билан ҳамманинг жонига тегмоқ.

НАСЛАДИ́ТЬ, -ажу́, -ади́шь *сов.* (*несов.* **наслажда́ть**) *кого-что книжн.* ёқмоқ, қувонтирмоқ, хуш келмоқ; ~ **слух** қулоғига ёқмоқ; ~ **взор** кўзни қувонтирмоқ.

НАСЛА́ДИТЬСЯ, -ажу́сь, -ади́шься *сов.* (*несов.* **наслажда́ться**) *кем-чем* маза (ҳузур, гашт) қилмоқ, завқланмоқ, роҳатланмоқ, сел бўлмоқ, хуш ёқмоқ; ~ **пе́нием** ашуладан завқланмоқ (сел бўлмоқ).

НАСЛА́ЖДАТЬ *несов. см.* **наслади́ть.**

НАСЛА́ЖДАТЬСЯ *несов. см.* **наслади́ться.**

НАСЛА́ЖДЕНИЕ *с* роҳат, ором, лаззат, маза, гашт, завқ; роҳатланиш, ҳузур (маза) қилиш, сел бўлиш; **слу́шать с ~м** завқланиб эшитмоқ, маза қилиб (сел бўлиб) тингламоқ.

НАСЛА́ИВАТЬ *несов. см.* **наслои́ть.**

НАСЛА́ИВАТЬСЯ, -ается *несов.* 1 *см.* **наслои́ться**; 2 *страд. от* **насла́ивать.**

НАСЛАСТИ́ТЬ, -ащу́, -асти́шь *сов.* (*несов.* **насла́щивать**) *что разг.* ширин қилмоқ, шакар (қанд) солмоқ, қўшмоқ; ~ **чай** чойни ширин қилмоқ, чойга шакар (қанд) солмоқ.

НАСЛАТЬ, нашлю́, нашлёшь *сов.* (*несов.* **насыла́ть**) 1 *что* и *кого-чего* бир миқдор (нарса, кимса) юбормоқ, йўлламоқ; ~ **пода́рков** совғалар юбормоқ; 2 *что* солмоқ, бошга келтирмоқ, юбормоқ (хурофий тасаввурларда); ~ **бе́дствия** бошга бало-офат юбормоқ; ~ **мор** ўлат келтирмоқ; қирғин солмоқ.

НАСЛА́ЩИВАТЬ *несов. см.* **насласти́ть.**

НАСЛЕ́ДИЕ *с* 1 мерос (ўтмишдан, аждодлардан қолган нарса); **твóрческое ~ Пу́шкина** Пушкиннинг ижодий мероси; ~**про́шлого** ўтмишнинг мероси, ўтмишдан қолган мерос; 2 *уст. то же, что* **насле́дство** 1.

НАСЛЕДИ́ТЬ, -ежу́, -еди́шь *сов. чем* и *без доп.* **из солмоқ** (қолдирмоқ); **из** қилиб юбормоқ, **из** бостирмоқ; ~ **в ко́мнате** хонани из бостирмоқ (из қилиб юбормоқ).

НАСЛЕ́ДНИК *м* 1 мероскўр, ворис; **зако́нный ~** қонуний ворис (мероскўр); 2 *перен.* давомчи, давом эттирувчи; ~**и революцио́нных тради́ций** революцион анъаналарни давом эттирувчилар (революцион анъаналарнинг **эгалари**); ~ **престо́ла** тахт вориси, валиаҳд.

НАСЛЕ́ДНИЦА *ж см.* **насле́дник** 1.

НАСЛЕ́ДНЫЙ, -ая, -ое 1 тахтга ворис бўлиб қоладиган; валиаҳд...; ~ **принц** валиаҳд, шаҳзода; 2 *уст. то же, что* **насле́дственный** 1.

НАСЛЕ́ДОВАНИ/Е *с* 1 *по гл.* **насле́довать**; 2 *юр.* ворислик, мероскўрлик; мерос олиш; **пра́во ~я** ворислик ҳуқуқи; мерос олиш ҳуқуқи.

НАСЛЕ́ДОВАТЬ *сов.* и *несов.* 1 *что* мерос олмоқ, мерос қилиб (тариқасида) олмоқ; ~ **иму́щество** мулкни мерос қилиб олмоқ; 2 *перен. что* қабул (мерос) қилиб олмоқ, ота-бобосидан (наслдан) ўтмоқ; ~ **лу́чшие тради́ции про́шлого** ўтмишнинг энг яхши анъаналарини мерос (қабул) қилиб олмоқ; 3 *кому* мероскўр бўлмоқ, ворис (валиаҳд) бўлиб қолоқ; **сын насле́дует отцу́** ўғил отага мероскўр (валиаҳд) бўлиб қолади; ўғли отасининг ўрнини олади.

НАСЛЕ́ДСТВЕННОСТ/Ь *ж биол.* ирс, ирсият, суяк суриш, наслдан наслга ўтиш; **благоприя́тная ~ь** яхши ирсият; **явле́ние ~и** ирсият ҳодисаси.

НАСЛЕ́ДСТВЕНН/ЫЙ, -ая, -ое 1 мерос, мерос (бўлиб) қолган; ~**ое иму́щество** мерос (бўлиб) қолган мулк; 2 ирсий, суяк сурган, наслдан наслга ўтган, ота-бободан кўчган; ~**ые черты́ хара́ктера** характернинг ирсий хусусиятлари.

НАСЛЕ́ДСТВ/О *с* 1 мерос, мерос қолган (ёки қоладиган) мулк; **получи́ть в ~о дом** уйни мерос қилиб олмоқ; **лиши́ть ~а** мероса махрум қилмоқ; 2 *то же, что* **насле́дие** 1; **иде́йное ~о** ғоявий мерос; 3 *юр. то же, что* **насле́дование; пра́во ~а** мерос (ворислик) ҳуқуқи.

НАСЛОЕ́НИ/Е *с* 1 *по гл.* **наслои́ть** и **наслои́ться**; 2 *геол.* қатлам-қатлам ётқизиқ, қуйқа, чўкинди; **песча́ное ~е** қатлам-қатлам қум; 3 *перен.* аслида (зотида) бўлмаган (кейин пайдо бўлган, юзага келган, кирган, қўшилган) нар-

www.ziyouz.com kutubxonasi

са, хусусият; **по́здние ~я в э́посе «Алпамы́ш»** «Алпомиш» достонида кейинчалик пайдо бўлган хусусиятлар.

НАСЛОИ́ТЬ *сов.* (*несов.* **насла́ивать**) *что* и *чего* 1 қат-қатламоқ, қатламоқ, қаватламоқ, қатма-қат (устма-уст) қилиб қўймоқ; **~ те́сто** хамирни қат-қатламоқ; 2 қат-қат (қават-қават) қилиб ажратмоқ; **~ слюды́** слюдани қат-қат қилиб ажратмоқ.

НАСЛОИ́ТЬСЯ, -и́тся *сов.* (*несов.* **насла́иваться**) *на что* 1 қатламланмоқ, қаватланмоқ, қават-қават бўлиб қопламоқ; 2 *перен.* кейинчалик пайдо бўлмоқ, юзага келмоқ, қўшилмоқ, кирмоқ.

НАСЛУЖИ́ТЬСЯ *сов. разг.* хўп (роса) хизмат қилмоқ, хўп (кўп, узоқ) ишламоқ.

НАСЛУ́ША/ТЬСЯ *сов.* (*несов.* **наслу́шиваться**) *кого-чего* 1 кўп эшитмоқ, тингламоқ; **~лся новосте́й** кўп янгиликлар эшитдим; 2 тўйиб (мириқиб, қониб) эшитмоқ, эшитиб тўймоқ; **~ ться хоро́шей му́зыки** тўйиб (мириқиб) яхши музика эшитмоқ.

НАСЛУ́ШИВАТЬСЯ *несов. см.* **наслу́шаться.**

НАСЛЫ́ШАН, -а, -о *в знач. сказ. о ком-чём разг.* кўп эшитган (эшитганман, эшитгансан); **мы о вас мно́го ~ы** сиз тўғрингизда кўп эшитганмиз.

НАСЛЫ́ША/ТЬСЯ *сов. о ком-чём разг.* кўп эшитмоқ, қулоғига кирмоқ; чалинмоқ; **мы ~лись о ва́ших успе́хах** сизнинг муваффақиятларингиз тўғрисида кўп эшитганмиз.

НАСЛЫ́ШК/А *ж разг.* миш-миш гап, овоза, миш-миш; **по ~е** миш-миш гапларга қараб, бировлардан эшитиб.

НАСЛЮНИВАТЬ *несов. см.* **наслюни́ть.**

НАСЛЮНИ́ТЬ *сов.* (*несов.* **наслю́нивать**) *что разг.* тупукламоқ, тупуклаб ҳўлламоқ; **~ почто́вую ма́рку** почта маркасини тупукламоқ.

НАСЛЮНЯВИТЬ *сов. прост.* сўлак оқизмоқ, сўлак қилиб юбормоқ, сўлак оқизиб (тегизиб) ифлос қилмоқ.

НАСМА́ЛИВАТЬ *несов. см.* **насмоли́ть.**

НАСМА́РКУ *нареч. разг.:* **идти́ (пойти́) ~** беҳуда бўлиб чиқмоқ, йўққа (пучга) чиқмоқ, барбод бўлмоқ, бекорга кетмоқ; **все труды́ пошли́ ~** ҳамма меҳнат бекорга кетди.

НАТЫКА/ТЬ *сов.* (*несов.* **натыка́ть** II) *что* и *чего* бир миқдор нарса санчмоқ, қадамоқ, тўғнамоқ, тиқмоқ, санчиб (қадаб, тўғнаб, тиқиб) қўймоқ; қадаб (тиқиб, санчиб) ташламоқ; **~ть була́вок** тўғноғичлар қадаб ташламоқ; **по гря́дкам ~ны ко́лышки** жўяклар четига қозиқлар қоқиб қўйилган.

НАТЫКАТЬ I *несов. см.* **наткнýть.**

НАТЫКАТЬ II *несов. см.* **натыкáть.**

НАТЫКАТЬСЯ *несов. см.* **наткнýться.**

НАТЮРМО́РТ *м* натюрморт (гул, мева, балиқ ва ш. к. расми ва шу нарсаларнинг ўзи).

НАТЮРМО́РТНЫЙ, -ая, -ое натюрмортга оид; натюрморт...; **~ сюжéт** натюрморт сюжети.

НАТЯГИВАТЬ *несов. см.* **натянýть.**

НАТЯГИВАТЬСЯ, -ается *несов.* 1 *см.* **натянýться;** 2 *страд. от* **натя́гивать.**

НАТЯЖЕ́НИЕ *с* 1 *по гл.* **натянýть** 1 и **натянýться;** 2 *мед.* битиш, бита бошлаш (яра ҳақида); **первúчное ~** бита бошлаш; 3 *спец.* таранглик.

НАТЯЖК/А *ж, р. мн.* **-жек** 1 *по гл.* **натянýть** 1 и **натянýться;** 2 *перен.* амал-тақал; шубҳа; ноиложлик, қийинчилик; **~а в доказáтельстве** шубҳали (унчалик ишонарли бўлмаган) далиллар келтириш; **с ~óй** ноиложликдан, амал-тақал қилиб, зўрға, аранг; 3 зўракилик, зўрма-зўракилик, сиқилиш.

www.ziyouz.com kutubxonasi

НАТЯЖН/ОЙ, -а́я, -о́е 1 чўзиб (таранг қилиб, кериб) кийдириладиган; ~ы́е ши́ны кериб кийдириладиган шиналар; 2 таранглайдиган, тарангловчи; ~ы́е ро́лики тарангловчи роликлар.

НАТЯНУТ/ЫЙ, -ая, -ое 1 *прич. от* **натяну́ть**; 2 *перен. в знач. прил.* сунъий, ясама, зўраки, зўрма-зўраки, самимий эмас; бузуқ, сиқиқ; ~**ая улы́бка** зўрма-зўраки жилмайиш; **у них** ~**ые отноше́ния** уларнинг муносабатлари яхши эмас; уларнинг ораси бузуқ.

НАТЯНУ́ТЬ *сов.* (*несов.* **натя́гивать**) *что* 1 тортмоқ, чўзмоқ, таранг қилмоқ, кермоқ; чўзиб (тортиб) кийдирмоқ, боғламоқ, маҳкамламоқ; ~ **холст на ра́мку** холстни (бўзни) рамкага тортмоқ; ~ **стру́ны** торларни таранг қилмоқ; 2 киймоқ; чўзиб (тортиб) зўрға кийиб олмоқ; ~ **перча́тки** қўлқопни тортиб кийиб олмоқ; 3 устига тортиб (ёпиниб) олмоқ, устига ташламоқ; ~ **на себя́ оде́яло** кўрпани устига тортиб олмоқ; 4 *разг.* амал-тақал қилиб бирор иш қилмоқ; аранг (зўрма-зўраки, ноилож) бажармоқ; ~ **ученику́ оце́нку** ўқувчига зўрма-зўраки баҳо қўймоқ; 5 *безл. чего* и *без доп.* қоплаб олмоқ; босмоқ; **к ве́черу натяну́ло туч** кечқурунга бориб осмонни булут қоплади; ✦ ~ **нос** *кому см.* **нос.**

НАТЯНУ́/ТЬСЯ, -я́нется *сов.* (*несов.* **натя́гиваться**) чўзилмоқ, тортилмоқ, таранг бўлмоқ; **ле́ска** ~**лась** қармоқ ипи таранг тортилди.

НАУГА́Д *нареч.* тавакkалига, тусмоллаб, чамалаб, тахминан; ~ **идти́ по́ лесу** ўрмонда тусмоллаб (тахмин билан) юрмоқ (бормоқ).

НАУГО́ЛЬНИК *м* 1 учбурчак, гўния; 2 угольник; **укрепля́ть ра́му** ~**ами** ромни угольниклар билан маҳкамламоқ.

НАУГО́ЛЬНЫ/Й, -ая, -ое бурчакдаги, бурчакка қўйиладиган; ~**е украше́ния на переплёте** муқова бурчакларидаги безаклар.

НАУДА́ЛУЮ *нареч. разг.* ўйламасдан, дадил, тавакkал қилиб, юрак ютиб; **ри́нуться** ~ дадил ташланмоқ.

НАУДА́ЧУ *нареч.* тусмоллаб, тавакkал қилиб, тавакkалига; **идти́** ~ тусмоллаб (тавакkал қилиб) бормоқ.

НАУДИ́ТЬ, -ужу́, -у́дишь *сов.* (*несов.* **нау́живать**) *что* и *кого-чего* қармоқ билан (бир қанча) балиқ тутмоқ, овлаштирмоқ.

НАУ́ЖИВАТЬ *несов. см.* **наудить.**

НАУ́К/А *ж* 1 илм, фан; **есте́ственные** ~**и** табиий фанлар; **то́чные** ~**и** аниқ фанлар; **занима́ться** ~**ой** фан соҳасида ишламоқ, илм билан шуғулланмоқ; 2 сабоқ, ибрат, илм, тажриба; **пусть э́то бу́дет тебе́** ~**ой** бу (нарса) сенга ибрат бўлсин; 3 *уст.* ўқиш, илм олиш.

НАУКООБРА́ЗНЫЙ, -ая, -ое; -зен, -зна илмийнамо, гўёки илмий.

НАУСТИ́ТЬ, -ущу́, -усти́шь *сов. см.* **науща́ть.**

НАУ́СЬКАТЬ *сов.* (*несов.* **нау́ськивать**) *кого-что* гижгижламоқ, ғусғусламоқ, олкишламоқ, тезламоқ, хезламоқ, қарши қўймоқ; ~ **соба́к** итларни олкишламоқ (ғусғусламоқ).

НАУ́СЬКИВАТЬ *несов. см.* **нау́ськать.**

НАУТЁК *нареч.* тумтарақай бўлиб, қочиб, орқасига қарамай; **пусти́ться** ~ орқасига қарамай қочмоқ.

НАУ́ТРО *нареч.* эртаси, эрталаб, эрта билан, эртасига.

НАУЧИ́/ТЬ *сов. кого-что* 1 *чему* и *с неопр.* ўқитмоқ, ўргатмоқ; ~**ть ребёнка чита́ть** болага ўқишни ўргатмоқ; ~**ть рисова́нию** расм солишни ўргатмоқ; 2 *разг.* ақл ўргатмоқ, маслаҳат бермоқ, йўл кўрсатмоқ; 3 ўргатмоқ, тушунтирмоқ; **жизнь** ~**ла меня́ ценя́ть люде́й** ҳаёт менга одамларни қадрлашни ўргатди.

НАУЧИ́ТЬСЯ *сов.* ўрганмоқ, билмоқ; ўрганиб (билиб) олмоқ; ~ **пла́вать** сузишни ўрганиб олмоқ.

НАУ́ЧНО-ИССЛЕ́ДОВАТЕЛЬСК/ИЙ, -ая, -ое илмий-тадқиқий; илмий-тадқиқот...; илмий-текшириш...; ~**ая рабо́та** илмий-тадқиқий иш; илмий-текшириш иши; ~**ий институ́т** илмий-текшириш институти.

НАУ́ЧНО-ПОПУЛЯ́РН/ЫЙ, -ая, -ое илмий-оммабоп; ~**ая литерату́ра** илмий-оммабоп адабиёт.

НАУ́ЧНОСТЬ *ж* илмийлик, илмга асосланганлик; ~ **изложе́ния** баённинг илмийлиги.

НАУЧНО-ТЕХНИ́ЧЕСК/ИЙ, -ая, -ое илмий-техникавий, илмий-техник; фан-техника...; **илмий-техника...**; ~**ий прогре́сс** илмий-техник прогресс.; ~**ая револю́ция** (НТР) фан-техника революцияси (ФТР).

НАУ́ЧНО-ФАНТАСТИ́ЧЕСКИЙ, -ая, -ое илмий-фантастик; ~ **рома́н** илмий-фантастик роман.

НАУ́ЧН/ЫЙ, -ая, -ое; -чен, -чна 1 илмий, фанний; ~**ое откры́тие** илмий кашфиёт; ~**ый рабо́тник** илмий ходим; 2 илмга, илм-фанга асосланган; илмий; ~**ый социали́зм** илмий социализм; ~**ый подхо́д к явле́ниям приро́ды** табиат ҳодисаларига илмий ёндошиш.

НАУ́ШНИК *м разг.* чақимчи, ғийбатчи, гап ташувчи, суханчи, хуфия.

НАУ́ШНИКИ *мн.* (*ед.* **нау́шник** *м*) 1 қулоқчин; 2 *радио* наушник.

НАУ́ШНИЧАТЬ *несов. разг.* чақимчилик (суханчилик) қилмоқ, гап ташимоқ, ғийбат қилмоқ.

НАУ́ШНИЧЕСКИ/Й, -ая, -ое *разг.* чақимчиларга (гап ташувчиларга) оид; хос, чақимдан (чақувдан, ғийбатдан) иборат; ~**е разгово́ры** ғийбатдан иборат гаплар, ғийбатлар.

НАУ́ШНИЧЕСТВО *с разг.* чақимчилик; суханчилик, ғийбатчилик, гап ташиш; ёлғон-яшиқ гап, шиква, ғийбат.

НАУЩА́ТЬ *несов.* (*сов.* **наусти́ть**) *кого-что уст.* васваса қилмоқ, йўлдан оздирмоқ, ёмон йўлга солмоқ (бошламоқ), йўлдан оздирмоқ.

НАУЩЕНИ/Е *с:* **по** ~**ю** *кого уст.* бировнинг васваси билан, бировнинг сўзига кириб.

НАФА́БРИКОВАТЬ, -ку́ю, -ку́ешь *сов. что* и *чего* ёлғон-яшиқ нарсалар уйдирмоқ, уйдирма қилмоқ, тўқиб (босиб) чиқармоқ; ~ **стате́ек** ёлғон-яшиқ мақолалар уюштирмоқ (босиб чиқармоқ).

НАФАНТАЗИ́РОВАТЬ *сов. что* и *чего разг.* хаёлда ўйлаб чиқармоқ, тўқимоқ, фантазия қилмоқ; ~ **вся́кой вся́чины** қаёқдаги нарсаларни ўйлаб чиқармоқ.

НАФИЛОСО́ФСТВОВАТЬСЯ *сов. разг.* фалсафа сўқмоқ, гап сотмоқ.

НАФИСКА́ЛИТЬ *сов. разг.* чақмоқ, чақимчилик қилмоқ, гап ташимоқ, етказмоқ.

НАФТАЛИ́Н *м* нафталин; куядори *(с. т.).*

НАФТАЛИ́ННЫЙ, -ая, -ое нафталинга оид; нафталин...; ~ **за́пах** нафталин ҳиди.

НАФТАЛИ́НОВ/ЫЙ, -ая, -ое нафталинга оид; нафталинли; нафталин...; ~**ая мазь** нафталинли мазь (мой дори); ~**ое произво́дство** нафталин ишлаб чиқариш.

НАФТО́Л, *м* (*мн.* **нафто́лы**) нафтол (нафталиндан олинадиган ва ишлаб чиқаришда бўёқ сифатида қўлланиладиган кимёвий бирикма).

НАФТОЛО́ВЫЙ, -ая, -ое нафтолли; нафтол; ~ **краси́тель** нафтолли бўёқ; таркибида нафтол бўлган бўёқ.

НАХА́Л *м* сурбет (сур) одам, шилқим, густох, суллоҳ.

НАХА́ЛКА *ж, р. мн.* **-лок** *см.* **наха́л.**

НАХАЛТУ́РИТЬ *сов. прост.* наридан-бери (мендан кетгунча, эгасига етгунча зайилида) иш қилмоқ, пала-партиш ясаб ташламоқ.

НАХА́ЛЬНИЧАТЬ *несов. разг.* сурбетлик (шилқимлик) қилмоқ, суллоҳлик (густохлик) қилмоқ.

НАХА́ЛЬНЫЙ, -ая, -ое; -лен, -льна сурбет, безбет, сур, шилқим, орсиз, беор, густох, суллоҳ; ~ **челове́к** сурбет одам; ~ **посту́пок** сурбетларча хатти-ҳаракат, густохлик; ~ **взгляд** сурбетларча қараш.

НАХА́ЛЬСТВО *с* сурбетлик, безбетлик, шилқимлик, суллоҳлик, густохлик.

НАХАМИ́ТЬ, -млю́, -ми́шь *сов. кому* и *без доп. прост.* қўпол муомала (одобсизлик) қилмоқ.

НАХА́ПАТЬ *сов. что* и *чего прост.* роса ўмармоқ, уриб (ташиб) кетмоқ, ўгирлаб чўнтакка урмоқ; беш қўлни оғизга урмоқ.

НАХА́РКАТЬ *сов. прост.* туплаб ташламоқ; тупуриб ифлос қилмоқ; ~ **на́ пол** полга (ерга) туплаб ташламоқ.

НАХВА́ЛИВАТЬ *несов. см.* **нахвали́ть.**

НАХВА́ЛИВАТЬСЯ *несов. см.* **нахвали́ться** 1.

НАХВАЛИ́ТЬ *сов.* (*несов.* **нахва́ливать**) *кого-что разг.* роса (хўп) мақтамоқ, жуда мақтаб юбормоқ, кўкларга кўтармоқ.

НАХВАЛИ́/ТЬСЯ *сов.* 1 (*несов.* **нахвалива́ться**) *разг.* роса (хўп) мақтанмоқ, ҳадеб мақтанавермоқ; 2 *кем-чем*

www.ziyouz.com kutubxonasi

хўп мақтамоқ, роса мақтамоқ, **мақтайвермоқ**; **мать не нахва́лится свои́ми детьми́** онаси болаларини мақтаганимақтаган.

НАХВАСТАТЬ *сов. разг.* роса (хўп) мақтанмоқ, мақтаб гапирмоқ, мақтовини ошириб юбормоқ.

НАХВАСТАТЬСЯ *сов. разг.* роса (хўп) мақтанмоқ, ўзини ҳадеб мақтайвермоқ.

НАХВАТА́ТЬ *сов.* (*несов.* **нахва́тывать**) *что* и *чего разг.* 1 роса (кўп, анча) олиб олмоқ (олволмоқ), дуч келганини (илинганини, қўлга тушганини) олавермоқ, олиб (олавериб) кўпайтирмоқ; ~ **дешёвых вещёй** дуч келган арзон нарсаларни олавермоқ; ~ **двóек** кўп икки олмоқ, икки (баҳо)ларни кўпайтириб юбормоқ; 2 *перен.* у ер-бу ердан (юлиб-юлқиб) олмоқ, тўпламоқ, юзаки ўзлаштирмоқ; ~ **разли́чных све́дений** у ер-бу ердан юлиб-юлқиб турли маълумот тўпламоқ.

НАХВАТА́ТЬСЯ *сов.* (*несов.* **нахва́тываться**) *то же, что* **нахвата́ть** 2; ~ **фа́ктов** у ер-бу ердан юлиб-юлқиб фактлар тўпламоқ.

НАХВАТЫВАТЬ *несов. см.* **нахвата́ть**.

НАХВА́ТЫВАТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **нахвата́ться**; 2 *страд. от* **нахва́тывать**.

НАХИ́МОВЕЦ *м, р.* **-вца** нахимовчи (нахимовчилар билим юртининг ўқувчиси).

НАХИ́МОВСК/ИЙ: ~**ое учи́лище** нахимовчилар билим юрти (бошланғич ҳарбий-денгиз флоти билим юрти, мактаби).

НАХЛЕБАТЬСЯ *сов.* 1 (*несов.* **нахлёбываться**) *чего прост.* роса (кўп) ичмоқ, тўйиб ичиб олмоқ; ~ **ква́су** роса квас ичмоқ; 2 *перен.* хўп тотмоқ (тортмоқ), кўп кўрмоқ, чекмоқ, бошдан кечирмоқ (азоб-уқубат, қийинчилик ва ш. к. ҳақида); ~ **го́ря** роса азоб чекмоқ, кўп азоб-уқубатларни бошдан кечирмоқ.

НАХЛЕ́БНИК *м* 1 сиғинди; текинхўр; 2 *уст.* ҳамхўрак (пул тўлаб бировникида овқатланувчи ва яшовчи киши).

НАХЛЕ́БНИЦА *ж см.* **нахле́бник**.

НАХЛЁБЫВАТЬСЯ *несов. см.* **нахлеба́ться** 1.

НАХЛЕСТА́ТЬ *сов.* (*несов.* **нахлёстывать** II) *кого-что разг.* қамчиламоқ, роса саваламоқ (калтакламоқ; урмоқ); ~ **по спине́** елкасига роса саваламоқ.

НАХЛЕСТА́ТЬСЯ *сов.* 1 *прост.* ўзини роса саваламоқ (урмоқ); ~ **ве́ником в ба́не** ҳаммомда супурги билан ўзини саваламоқ; 2 *чего* и *без доп. груб. прост.* роса ичмоқ, ичиб маст бўлмоқ.

НАХЛЕСТНУ́ТЬ *сов.* (*несов.* **нахлёстывать** I) *что* 1 *разг.* арқон ташламоқ, сиртмоқ солмоқ; ~ **пе́тлю на крюк** илмоққа (илгакка) арқон ташламоқ; 2 *спец.* режа урмоқ; ~ **ли́нию распи́лки бревна́** арраланадиган ходага режа урмоқ.

НАХЛЁСТЫВАТЬ I *несов. см.* **нахлестну́ть**.

НАХЛЁСТЫВАТЬ II *несов. см.* **нахлеста́ть**.

НАХЛЁСТЫВАТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **нахлеста́ться**; 2 *страд. от* **нахлёстывать** II.

НАХЛОБУ́ЧИВАТЬ *несов. см.* **нахлобу́чить**.

НАХЛОБУ́ЧИВАТЬСЯ, -ается *несов.* 1 *см.* **нахлобу́читься**; 2 *страд. от* **нахлобу́чивать**.

НАХЛОБУ́ЧИТЬ *сов.* (*несов.* **нахлобу́чивать**) *что разг.* бостириб киймоқ, пешанага (чаккасига) туширib киймоқ; ~ **ша́пку на глаза́** телпакни (шапкани) бостириб (кўзига тушириб) киймоқ.

НАХЛОБУ́ЧИТЬСЯ, -ится *сов.* (*несов.* **нахлобу́чиваться**) пешанасига (чаккасига) тушиб кетмоқ, тушиб турмоқ (бош кийим ҳақида).

НАХЛОБУ́ЧК/А *ж, р. мн.* **-чек** *разг.* койиш, дакки бериш; дакки, танбеҳ; **получи́ть** ~**у** дакки емоқ, сўкиш (гап) эшитмоқ.

НАХЛОПАТЬ *сов.* (*несов.* **нахло́пывать**) *кого разг.* тарс-турс урмоқ, шапалоқ солмоқ, тарсакиламоқ.

НАХЛОПОТА́ТЬСЯ, -очу́сь, -о́чешься *сов. разг.* роса овора бўлмоқ, ташвишда (ҳаракатда) елиб-югурмоқ, елиб-югуриб (уриниб) чарчамоқ; ~ **за́ день** кун бўйи ташвиш-ҳаракатда юрмоқ, кун бўйи уриниб роса чарчамоқ.

НАХЛО́ПЫВАТЬ *несов. см.* **нахло́пать**.

НАХЛЫНУ/ТЬ, -нет *сов.* 1 шиддат билан босиб келмоқ; айқириб оқиб келмоқ; ~**ла вода́** сув шиддат билан босиб (бостириб) келди; ~**ла жара́** бирдан жазирама иссиқ бошланди; 2 *перен.* бостириб (ёпирилиб) келмоқ; дув этиб йиғилмоқ; ~**ли то́лпы люде́й** дув этиб одам йиғилди; 3 *перен.* бирдан (лоп этиб) эсга келмоқ, бирин-кетин ёдига тушмоқ; ~**ли воспомина́ния** хотиралар бирин-кетин хаёлдан ўта бошлади.

НАХМУ́РЕНН/ЫЙ, -ая, -ое 1 *прич. от* **нахму́рить**; 2 *в знач. прил.* чимирилган, тиришган; қовоғи солиқ, хўмрайган; ~**ые бро́ви** чимирилган қошлар; ~**ое лицо́** қовоғидан қор ёғиб турган (хўмрайган, қовоғи солиқ) чеҳра.

НАХМУ́РИВАТЬ *несов. см.* **нахму́рить**.

НАХМУ́РИВАТЬСЯ *несов. см.* **нахму́риться**.

НАХМУ́РИТЬ *сов.* (*несов.* **нахму́ривать**) чимирмоқ, тириштирмоқ; қовоғини солмоқ, хўмраймоқ; ~ **бро́ви** қошларини чимирмоқ.

НАХМУ́РИ/ТЬСЯ *сов.* (*несов.* **нахму́риваться**) 1 чимирилмоқ, тиришмоқ, бурушмоқ; **бро́ви** ~**лись** қошлари чимирилди; **лицо́** ~**лось** афти бурушди; 2 қошларини чимирмоқ; юзини (афтини, пешанасини) тириштирмоқ; қовоғини солмоқ, хўмраймоқ; 3 *перен.* бузилмоқ, айнимоқ, булут қопламоқ (босмоқ); **не́бо** ~**лось** осмонни булут қоплади, ҳаво айниди.

НАХОДИ́ТЬ I, -ожу́, -о́дишь *несов. см.* **найти́** I; ✦ **не** ~ **(себе́) ме́ста** *см.* **ме́сто**.

НАХОДИ́ТЬ II, -ожу́, -о́дишь *несов. см.* **найти́** II.

НАХОДИ́/ТЬСЯ I, -ожу́, -о́дишься *несов.* 1 *см.* **найти́сь**; 2 *страд. от* **находи́ть I — найти́** I, 1—3; 3 бирор жойда бўлмоқ, турмоқ, жойлашмоқ; **мы нахо́димся в це́нтре го́рода** биз шаҳар марказида турибмиз; **шко́ла нахо́дится во́зле па́рка** мактаб парк ёнида жойлашган; 4 бўлмоқ, турмоқ; ~**ться под надзо́ром поли́ции** полиция назорати остида бўлмоқ.

НАХОДИ́/ТЬСЯ II, -ожу́сь, -о́дишься *сов.* роса юрмоқ, юраверib чарчамоқ; хўп (кўп) кезмоқ, роса айланмоқ; **пионе́ры** ~**лись по гора́м** пионерлар роса тоғларда юришди.

НАХОД/КА *ж, р. мн.* **-док** 1 топилган нарса, топилдиқ, топилма; **бюро́** ~**ок** топилмалар бюроси; **це́нная** ~**ка** қимматли топилдиқ; 2 *перен.* тасодифан топилган, ўз ўрнига тушган (айни жойини топган, жуда мос) нарса, кимса; **но́вый рабо́тник** — ~**ка для нас** янги ходим — омадимиз, ~**ка для разгово́ра** гап-сўз учун топилиб қолган дастмоя.

НАХО́ДЧИВОСТЬ *ж* тадбиркорлик, топқирлик, ҳозиржавоблик; **отлича́ться** ~**ю** топқирлик (ҳозиржавоблик) билан ажралиб турмоқ.

НАХО́ДЧИВЫЙ, -ая, -ое 1 тадбирли, тадбиркор, топқир, ҳозиржавоб; ~ **челове́к** топқир одам; 2 ўрнига қўйилган, маъқул; ~ **отве́т** ўрнига қўйилган (топиб берилган) жавоб.

НАХОЖДЕ́НИ/Е *с* 1 *книжн. по гл.* **находи́ть** I, 1; ~**е о́бщего знамена́теля** умумий махражни топиш; 2 *по гл.* **находи́ться** I, 3; **ме́сто** ~**я руды́** руда бор жой, руда жойлашган ер.

НАХО́ХЛИВАТЬ, -ает *несов. см.* **нахо́хлить**.

НАХО́ХЛИВАТЬСЯ *несов. см.* **нахо́хлиться**.

НАХО́ХЛИ/ТЬ, -ит *сов.* (*несов.* **нахо́хливать**) *что* ҳурпайтирмоқ, диккайтирмоқ; **инду́к** ~**л пе́рья** курка патларини ҳурпайтирди.

НАХОХЛИ/ТЬСЯ *сов.* (*несов.* **нахо́хливаться**) 1 ҳурпаймоқ, диккаймоқ; **воробьи́** ~**лись от хо́лода** чумчуқлар совуқдан ҳурпайиб турарди; 2 *перен. разг.* ўшшаймоқ, тумшаймоқ, терсаймоқ, қовоғини солмоқ (осилтирмоқ); ~**ться от оби́ды** хафа бўлиб (аламидан) тумшаймоқ.

НАХРА́ПИСТЫЙ, -ая, -ое *прост.* ҳеч нарсадан тоймайдиган (тап тортмайдиган), сурбет, густох; ~ **челове́к** сурбет одам.

НАХРА́ПОМ *нареч. разг.* сурбетлик билан, тап тортмай, уятсизларча, сурбетларча; **де́йствовать** ~ сурбетларча (тап тортмай) иш тутмоқ.

НАХУЛИГА́НИТЬ и **НАХУЛИГА́ННИЧАТЬ** *сов.* хулиганлик қилмоқ, безорилик қилмоқ.

www.ziyouz.com kutubxonasi

НАЦАРА́ПА/ТЬ *сов.* (*несов.* **нацара́пывать**) 1 *кого-что* тирнаб олмоқ, тирнаб ташламоқ, тимдаламоқ, тимдалаб ташламоқ; ~**ть лицо́** юзини тимдалаб ташламоқ; 2 *что* тирнаб ёзмоқ; ~**нные на стене́ зна́ки** деворга тирнаб ёзилган белгилар (чизиқлар); 3 ажи-бужи қилиб ёзмоқ; ёзиб (чизиб) ташламоқ.

НАЦАРА́ПЫВАТЬ *несов. см.* **нацара́пать.**

НАЦЕДИ́ТЬ, -ежу́, -е́дишь *сов.* (*несов.* **нацежи́вать**) *что* и *чего* бир миқдор сузиб (сирқитиб) олмоқ; сузиб (сирқитиб) қуймоқ; ~ **молока́ в крынку** сутни сузиб хурмачага қуймоқ; ~ **кру́жку ква́су** бир кружка квас сирқитиб олмоқ.

НАЦЕДИ́/ТЬСЯ, -е́дится *сов.* (*несов.* **нацежи́ваться**) сизиб (сирқиб) чиқмоқ, тушмоқ; **из ча́йника ~лось полпиа́лы ча́ю** чойнакдан сирқитила-сирқитила ярим пиёла чой чиқди (тушди).

НАЦЕ́ЖИВАТЬ *несов. см.* **нацеди́ть.**

НАЦЕ́ЖИВАТЬСЯ, -ается *несов.* 1 *см.* **нацеди́ться;** 2 *страд. от* **нацежи́вать.**

НАЦЕ́ЛИВАТЬ *несов. см.* **нацели́ть.**

НАЦЕ́ЛИВАТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **нацели́ться;** 2 *страд. от* **нацели́вать.**

НАЦЕЛИ́ТЬ *сов.* (*несов.* **нацели́вать**) 1 *что* нишонга (мўлжалга) олмоқ; тўғриламоқ; ~ **ружьё** милтиқни нишонга тўғриламоқ; 2 *перен. кого-что* йўлламоқ, тўғриламоқ, зарур томонга қаратмоқ, йўналтирмоқ, отлантирмоқ; ~ **коллекти́в на выполне́ние взя́тых обяза́тельств** коллективни олинган мажбуриятларни бажаришга йўлламоқ.

НАЦЕЛИ́ТЬСЯ *сов.* (*несов.* **нацели́ваться**) *разг.* 1 *в кого-что* и *без доп.* пойламоқ, нишонга (мўлжалга) олмоқ; ~ **в мише́нь** нишонни мўлжалга олмоқ; 2 *перен. на что, с неопр.* и *без доп. разг.* бирор ишга (мақсадга) интилмоқ, қасд қилмоқ; бел боғламоқ; ...моққи бўлмоқ; ~ **сесть за рабо́ту** ишни бошламоқчи бўлиб турмоқ; ишга бел боғламоқ.

НАЦЕЛО *нареч. разг.* бутунлай, бус-бутун; қолдиқсиз; ~ **раста́ять** бутунлай (бус-бутун) эриб кетмоқ; **чи́сла, де́лящиеся на семь** ~ еттига қолдиқсиз бўлинадиган сонлар.

НАЦЕ́НИВАТЬ *несов. см.* **наценить.**

НАЦЕНИ́ТЬ, -ени́ю, -е́нишь *сов.* (*несов.* **нацени́вать**) *что* нархини (баҳосини) оширмоқ, устама нарх қўймоқ; ~ **дефици́тные това́ры** дефицит (камёб) молларнинг нархини оширмоқ.

НАЦЕ́НК/А *ж, р. мн.* **-нок** 1 *по гл.* **наценить; произвести́ ~у** нархни оширмоқ; 2 қўшимча нарх, устама нарх; **това́ры с ~ой** қўшимча нарх қўйилган (нархи оширилган) товарлар.

НАЦЕПИ́ТЬ, -еплю́, -е́пишь *сов.* (*несов.* **нацепля́ть**) *что* 1 осмоқ, илмоқ, осиб (илиб) қўймоқ; илинтирмоқ; ~ **ведро́ на коромы́сло** челакни обкашга илмоқ; 2 *разг.* қадамоқ, тўғнамоқ, тақмоқ; тақиб (қадаб, тўғнаб) олмоқ (қўймоқ); ~ **значо́к** значок тақиб олмоқ (қўймоқ); ~ **бант** бант боғлаб (тақиб) олмоқ (қўймоқ).

НАЦЕПЛЯ́ТЬ *несов. см.* **нацепи́ть.**

НАЦИЗМ *м* нацизм, герман фашизми.

НАЦИОНА́Л *м разг.* ерли миллатга мансуб киши.

НАЦИОНАЛИЗА́ЦИЯ *ж* 1 национализация, национализация қилиш (хусусий мулкни давлат мулкига айлантириш); ~ **промы́шленности** саноатни национализация қилиш; ~ **земли́** ерни национализация қилиш; 2 миллийлаштириш; ~ **шко́лы** мактабларни миллийлаштириш.

НАЦИОНАЛИЗИ́РОВАТЬ *сов.* и *несов. что* национализация қилмоқ; ~ **сре́дства произво́дства** ишлаб чиқариш воситаларини национализация қилмоқ.

НАЦИОНАЛИЗИ́РОВАТЬСЯ 1 *сов.* и *несов.* миллийлашмоқ; 2 *несов. страд. от* **национализи́ровать.**

НАЦИОНАЛИ́ЗМ *м* 1 миллатчилик; 2 мустамлака халқларининг миллий мустақиллик учун кураши.

НАЦИОНАЛИ́СТ *м* 1 миллатчи; 2 миллий-озодлик ҳаракатининг қатнашчиси.

НАЦИОНАЛИСТИ́ЧЕСК/ИЙ, -ая, -ое миллатчиликка ва миллатчиларга оид, хос; миллатчилик руҳидаги; миллатчилик...; миллатчи(лар)...; ~**ая поли́тика** миллатчилик сиёсати.

НАЦИОНАЛИСТИ́ЧНЫ/Й, -ая, -ое; -чен, -чна миллатчилик руҳи билан суғорилган, миллатчилик руҳидаги; миллатчилик...; ~**е взгля́ды** миллатчилик руҳидаги қарашлар.

НАЦИОНАЛИ́СТКА *ж, р. мн.* **-ток** *см.* **национали́ст.**

НАЦИОНАЛИ́СТСКИЙ, -ая, -ое миллатчиларга оид, хос, миллатчи(лар)...

НАЦИОНА́ЛКА *ж, р. мн.* **-лок** *разг. см.* **национа́л.**

НАЦИОНА́ЛЬНО-ОСВОБОДИ́ТЕЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое миллий-озодлик ҳаракатига оид; миллий-озодлик...; ~**ая борьба́** миллий-озодлик учун кураш; ~**ое движе́ние** миллий-озодлик ҳаракати.

НАЦИОНА́ЛЬНОСТ/Ь *ж* 1 миллат; **Сове́т ~ей** Миллатлар Совети (СССР Олий Советининг тенг ҳуқуқли икки палатасидан бири); 2 бирор миллатга мансублик; **по ~и он узбе́к** унинг миллати ўзбек; **лю́ди ра́зных ~ей** турли миллатларга мансуб кишилар; 3 миллийлик; ~**ь поэ́зии** поэзиянинг миллийлиги.

НАЦИОНА́ЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое; -лен, -льна 1 миллатга, миллатларга оид; миллий; ~**ый вопро́с** миллий масала; ~**ое движе́ние** миллий ҳаракат; 2 бирор миллатга хос, миллий; ~**ый костю́м** миллий кийим; ~**ый теа́тр** миллий театр; 3 давлатга, мамлакатга оид; давлатга қарашли; миллий; давлат...; ~**ый флаг** миллий байроқ, давлат байроғи; ~**ый дохо́д** миллий даромад; 4 майда миллатларга оид; аҳолиси асосан майда миллатлардан ташкил топган; миллий; ~**ый райо́н** миллий район; ✦ ~**ое меньшинство́** майда миллат, озчиликни ташкил қилган **миллат.**

НАЦИ́СТ *м* нацист (герман фашисти).

НАЦИ́СТКА *ж, р. мн.* **-ток** нацист аёл.

НАЦИ́СТСКИ/Й, -ая, -ое нацистларга ва нацизмга оид; нацист(лар)...; нацизм...; ~**е организа́ции** нацистлар ташкилотлари.

НА́ЦИЯ *ж* 1 миллат; 2 давлат, мамлакат; **Организа́ция Объединённых На́ций** Бирлашган Миллатлар Ташкилоти.

НАЦМЕ́Н *м разг.* майда миллат киши.

НАЦМЕ́НКА *ж, р. мн.* **-нок** *разг. см.* **нацме́н.**

НАЧАДИ́ТЬ, -ажу́, -ади́шь *сов. чем* и *без доп.* тутатиб юбормоқ, тутун бостирмоқ.

НАЧА́Л/О *с* 1 бош, боши, учи, бошланиш жойи, нуқтаси (ёки манбаи); ~**о у́лицы** кўчанинг боши; **от ~а до конца́** бошидан охиригача; **брать ~о** бошланмоқ; келиб чиқмоқ; **вести́ своё ~о от** *чего-л.* бирор нарсадан бошланмоқ, келиб чиқмоқ; 2 боши, аввали, ибтидоси, бошланмаси, бошланиши, бошланиш пайти; **в ~е го́да** йилнинг бошида; ~**о заня́тий в де́вять часо́в утра́** машғулотлар эрталаб соат тўққиздан бошланади; 3 бош сабаб, омил, асос, бош; **невоспи́танность — ~о всех бед** тарбиясизлик — ҳамма балоларнинг боши (бош сабаби); **организу́ющее ~о** ташкил этувчи (уюштирувчи) асос (нарса); 4 *мн.* ~**а** асосий қонунлар, асослар, принциплар; ~**а фи́зики** физика асослари; 5 *мн.* ~**а** усул, йўл, асос, негиз; **рабо́тать на коллекти́вных ~ах** коллектив бўлиб ишламоқ; коллектив (биргалик) асосида ишламоқ; ✦ **под ~ом** *чьим* или *у кого* (рабо́тать, служи́ть и т. п.) раҳбарлигида, бошчилигида, раҳбарлиги остида (ишламоқ, хизмат қилмоқ ва ҳ. к.).

НАЧА́ЛЬНИК *м* начальник, бошлиқ, сардор.

НАЧА́ЛЬНИЦА *ж уст.* и *разг. см.* **нача́льник.**

НАЧА́ЛЬНИЧЕСК/ИЙ, -ая, -ое 1 начальникка, бошлиққа оид, начальниклик...; ~**ая до́лжность** начальниклик вазифаси; 2 *то же, что* **нача́льственный;** ~**ий тон** катталарга (тўраларга) хос оҳанг.

НАЧА́ЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое 1 бошланғич, энг бошдаги, дастлабки, даставвалги, илк; ~**ый пери́од** бошланғич (илк) давр; ~**ая ско́рость** бошланғич тезлик; 2 бошланғич, дастлабки, ибтидоий; ~**ое образова́ние** бошланғич (ибтидоий) маълумот; ~**ые осно́вы грамма́тики** грамматиканинг бошланғич асослари.

НАЧА́ЛЬСТВЕННЫЙ, -ая, -ое катталарга (каттаконларга, тўраларга) хос, тўраларча, мағрур, кеккайган; ~ **вид** кеккайган кўриниш; ~ **тон** катталарга (тўраларга) хос оҳанг.

НАЧА́ЛЬСТВ/О *с* 1 *собир.* бошлиқлар, катталар, раҳбарлар; **по распоряже́нию ~а** бошлиқларнинг амри билан;

www.ziyouz.com kutubxonasi

2 *разг.* начальник, бошлиқ; 3 бошчилик, раҳбарлик; **служи́ть под** *чьим-л.* **~ом** кимсанинг раҳбарлиги остида хизмат қилмоқ.

НАЧА́ЛЬСТВОВАТЬ *несов.* начальник (бошлиқ) бўлмоқ, начальниклик (бошчилик) қилмоқ, бошқармоқ; **~ отря́дом деса́нтников** десантчилар отрядига бошчилик қилмоқ; **~ над во́йском** қўшинга бошчилик қилмоқ.

НАЧА́ЛЬСТВУЮЩИЙ, -ая, -ее 1 *прич. от* **нача́льствовать**; 2 *в знач. прил.* раҳбарлик (бошчилик) қилувчи; бошлиқ...; **~ соста́в а́рмии** армиянинг бошлиқлар (командирлар) состави.

НАЧА́ТКИ *мн.* бошланғич (дастлабки) маълумотлар; **~ зна́ний** бошланғич билимлар.

НАЧА́ТЬ, -чну́, -чнёшь *сов.* (*несов.* **начина́ть**) 1 *что* ч *с неопр.* бошламоқ, бошлаб юбормоқ; киришмоқ; **мы на́чали стро́ить дом** биз уй қура бошладик; **~ заня́тие** машғулотни бошламоқ; 2 *с неопр.* ...га юз тутмоқ; ...-а (-ий, -ая) бошламоқ, ...(и)б, -деб қолмоқ; **~ старе́ть** қарий бошламоқ; **~краснéть** қизара бошламоқ; **ско́ро начнёт света́ть** ҳадемай тонг ота бошлайди (тонг отиб қолади); 3 *что чем* или *с кого-чего* ...дан (билан) бошламоқ; **~ речь с приве́тствия** нутқни табрикдан (табрик билан) бошламоқ; 4 *что* ишлата бошламоқ, очмоқ, бузмоқ; **~ но́вую па́чку ча́я** чойнинг янги пачкасидан ишлата бошламоқ.

НАЧА́/ТЬСЯ, -чнётся *сов.* (*несов.* **начина́ться**) 1 *с чего, чем* и *без доп.* бошланмоқ, бошланиб кетмоқ; юзага келмоқ, пайдо бўлмоқ; **~ла́сь но́вая жизнь** янги ҳаёт бошланди; **Нача́лась Москва́ с небольшо́го городи́ща...** (А. Н. Толстой) Москва... кичкина бир шаҳарчадан бошланди (юзага келди); 2 бошланмоқ, келмоқ, кирмоқ, тушмоқ; **~ла́сь зима́** қиш бошланди (кирди).

НА́ЧЕКУ *нареч.* тайёр (шай, ҳозир) бўлиб, ҳушёр (сергак) ҳолда; шайланиб; **быть всегда́ ~** доим шай (тайёр, ҳушёр, сергак) бўлиб турмоқ.

НАЧЕРНИ́ТЬ *сов.* (*несов.* **начерня́ть**) *что* қорайтирмоқ, қора қилмоқ, қорага бўямоқ.

НА́ЧЕРНО *нареч.* хом, хомаки, хомқолип қилиб; **написа́ть ~** хомаки ёзиб (чизиб) чиқмоқ.

НАЧЕРНЯ́ТЬ *несов. см.* **начерни́ть.**

НАЧЕРТА́НИЕ ташқи кўриниш, шакл, контур; ёзилиш шакли; **~ ру́сских букв** русча ҳарфларнинг ёзилиши (ёзилиш шакли).

НАЧЕРТА́ТЕЛЬН/ЫЙ: ~ая геоме́трия чизма геометрия.

НАЧЕРТА́ТЬ *сов. что книжн. уст.* 1 ёзмоқ, ёзиб (чизиб) қўймоқ, суратини чизмоқ; **«А. М. Д.» свое́ю кро́вью начерта́л он на щите́** (Пушкин) Сипарга у ўз қони билан «А. М. Д.» ҳарфларини ёзиб қўйди; 2 *перен.* кўрсатиб (чизиб) бермоқ; белгилаб (аниқлаб) кўрсатмоқ; **в трудáх кла́ссиков маркси́зма-ленини́зма нача́ртан путь постро́ения коммуни́зма** марксизм-ленинизм классиклари асарларида коммунизм қуриш йўллари белгилаб берилган.

НАЧЕРТИ́ТЬ, -ерчу́, -е́ртишь *сов.* 1 (*несов.* **нача́ртывать**) *что* и *чего* бир миқдор нарса чизмоқ, чизиб қўймоқ, чизиб чиқмоқ; **~ схе́мы** схемалар чизмоқ; 2 *что уст.* чизмоқ, ёзмоқ.

НАЧЕ́РЧИВАТЬ *несов. см.* **начерти́ть** 1.

НАЧЁС *м* 1 *по гл.* **начеса́ть — начёсывать**; 2 тук, пат (мовут, бахмал, гилам ва ш. к. да); **шарф с ~ом** тукли шарф; 3 *спец.* титилган (таралган) нарса (тола, жун) миқдори; 4 гажак (пешанада, чаккаларда); 5 қашиб (тимдалаб) яра қилинган жой, тирналган яра; **~ зажива́ет** тирналган яра тузаляпти.

НАЧЕСА́ТЬ, -ешу́, -е́шешь *сов.* (*несов.* **начёсывать**) 1 *что* и *чего* бир миқдор титмоқ, тарамоқ, титиб (тараб) қўймоқ; **~льну** бир миқдор зиғирпоя титмоқ; 2 *на что разг.* тарамоқ, тараб тушириб қўймоқ; **~ чёлку на лоб** сочини тараб пешанасига тушириб қўймоқ; 3 *что разг.* қашлайвериб (қашийвериб) шикаст етказмоқ, тирнаб яра қилмоқ; **~ ру́ку до кровй** қўлни қашийвериб қонатиб юбормоқ.

НАЧЕ́СТЬ, -чту́, -чтёшь; -чёл, -чла́ *сов.* (*несов.* **начи́тывать** I) *что бухг.* начёт қилмоқ, ҳисобига (зиммасига, гарданига, бўйнига) ёзмоқ, ёзиб қўймоқ.

НАЧЕ́СЫВАТЬ *несов. см.* **начеса́ть.**

НАЧЁТ *м бухг.* начёт (ғайриқонуний, кимсанинг бўйнига ёзилган деб топилган харажат).

НАЧЁТНИ́ЧЕСКИЙ, -ая, -ое қироатхонликдан иборат, кўр-кўрона.

НАЧЁТНИЧЕСТВО *с* қироатхонлик, кўр-кўрона (тушунмай, мағзини чақмай) ёдлаб олиш.

НАЧЁТЧИК *м* қироатхон, қори.

НАЧЁТЧИЦА *ж. см.* **начётчик.**

НАЧИНА́НИ/Е *с* ташаббус, бошлаб берилган иш; **подде́рживать ~я передовико́в** илғорлар ташаббусини қўллаб-қувватламоқ.

НАЧИНА́/ТЬ *несов.* 1 *см.* **нача́ть**; 2 бошлаб бермоқ, бошланиши (бошланишидан иборат) бўлмоқ; **э́тот докла́д ~ет собо́й цикл ле́кций по литерату́ре** бу доклад адабиётга доир лекциялар туркумининг бошланишидир.

НАЧИНА́/ТЬСЯ, -а́ется *несов.* 1 *см.* **нача́ться**; 2 *страд. от* **начина́ть**; 3 бошланмоқ, бошланиб кетмоқ; **отсю́да ~ется лес** ўрмон шу ердан бошланади.

НАЧИНА́ЮЩ/ИЙ, -ая, -ее 1 *прич. от* **начина́ть**; 2 *в знач. прил.* эндигина киришган (бошлаган), ёш; **~ий худо́жник** ёш рассом; 3 *в знач. сущ.* **~ий** *м*; **~ая** *ж* эндигина киришган (бошлаган) одам, ўрганувчи; **руково́дство для ~их** бирор нарсага эндигина бошлаганлар (ўрганувчилар) учун қўлланма.

НАЧИ́НАЯ 1 *деепр. от* **начина́ть**; 2 *предлог с р.* бошлаб, эътиборан; тортиб; **~ с пе́рвого января́** биринчи январдан бошлаб (эътиборан).

НАЧИНИВАТЬ I *несов. см.* **начини́ть** II.

НАЧИНИВАТЬ II *несов. см.* **начини́ть** III.

НАЧИН/И́ТЬ I *сов.* (*несов.* **начиня́ть**) *что чем* 1 тўлдирмоқ, тиқмоқ, отмоқ, солмоқ, тугмоқ; **~и́ть пиро́г мя́сом** пирогга гўшт солмоқ; 2 *перен. разг.* кўп билим (маълумот ва ш. к.) билан таъминламоқ, қулоғига қуймоқ, уқтирмоқ; **челове́к, ~ённый анекдо́тами** афанди латифаларини кўп биладиган одам.

НАЧИНИ́ТЬ II *сов.* (*несов.* **начи́нивать** I) *что* и *чего* бир миқдор нарса ямамоқ, ямаб тузатмоқ; **~ бельй** бир қанча кийим-кечак ямамоқ.

НАЧИНИ́ТЬ III *сов.* (*несов.* **начи́нивать** II) *что* и *чего* бир миқдор учламоқ, учини чиқармоқ, учини очмоқ; **~ мно́го карандашей́** кўп қалам очмоқ.

НАЧИ́НК/А *ж, р. мн.* **-нок** 1 *по гл.* **начини́ть** I; **~ пе́рца фа́ршем** гармдорига қийма тиқиш; 2 конфет, сомса ва ш. к. ичига солинган нарса, масаллиқ; **пирожки́ с мясно́й ~ой** ичига гўшт солинган сомса, гўштли сомса.

НАЧИНЯ́ТЬ *несов. см.* **начини́ть** I.

НАЧИСЛЕ́НИ/Е *с* 1 *по гл.* **нача́слить**; **~е за́работной пла́ты** иш ҳақи ёзиш; 2 устама, устига қўйилган, қўшиб ёзилган (ҳисобланган) сумма; **~я на за́работную пла́ту** иш ҳақига қўшиб ёзилган сумма.

НАЧИСЛИ́ТЬ *сов.* (*несов.* **начисля́ть**) *что бухг.* 1 устига қўйиб ҳисобламоқ, қўшиб ёзмоқ; **~ проце́нты на де́нежный вклад** омонат қўйилган пулга процент қўшиб ҳисобламоқ; 2 ҳисобига ёзмоқ; ўтказмоқ; **~ трудодни́** кимса ҳисобига меҳнат кунлари ёзмоқ.

НАЧИСЛЯ́ТЬ *несов. см.* **нача́слить.**

НАЧИ́СТИТЬ, -и́щу, -и́стишь *сов.* (*несов.* **начища́ть**) 1 *что* и *чего* бир миқдор арчимоқ, арчиб (тозалаб) қўймоқ; **~ карто́шки** картошка арчимоқ; 2 *что разг.* яхшилаб тозаламоқ, топ-тоза қилмоқ; **~ боти́нки** ботинкани яхшилаб тозаламоқ, топ-тоза қилиб артмоқ.

НАЧИСТИ/ТЬСЯ *сов.* (*несов.* **начища́ться**) *разг.* ўзини (уст-бошини) яхшилаб тозаламоқ, топ-тоза қилмоқ.

НА́ЧИСТО *нареч.* 1 топ-тоза қилиб, яхшилаб; 2 оққа, оққа кўчириб; **переписа́ть ру́копись ~** қўлёзмани оққа кўчирмоқ; 3 *разг.* бутунлай, тамоман, буткул, қатъиян; **~ отрица́ть** бутунлай (қатъиян) рад қилмоқ; **~ огра́бить кварти́ру** квартирани бутунлай шилиб (шип-шийдон қилиб) кетмоқ; 4 *прост.* очиқ, самимий равишда, ҳеч нарсани яширмай, бекитмай; **рассказа́ть ~** ҳаммасини гапириб бермоқ.

НАЧИСТОТУ *нареч.* очиқчасига, очиқдан-очиқ, тўппа-тўғри, яширмай, самимий равишда; **мы объясни́лись ~** биз очиқчасига гапиришиб олдик.

www.ziyouz.com kutubxonasi

НАЧИ́ТАННЫЙ, -ая, -ое кўп ўқиган, ўқимишли; алло-ма; ~ **челове́к** кўп ўқиган одам.

НАЧИТА́ТЬ *сов.* (*несов.* **начи́тывать** II) 1 *что* и *чего разг.* кўп нарса ўқимоқ, ўқиб чиқмоқ; ўқиб ташламоқ; ~ **мно́го ле́кций** кўп лекция ўқимоқ; 2 *что* и *без доп. уст.* ўқиб билмоқ, ўқиб бирор маълумот олмоқ; ~ **в газе́тах о кораблекруше́нии** кема ҳалокати ҳақидаги хабарни газета-дан ўқиб билмоқ.

НАЧИТА́ТЬСЯ *сов.* кўп ўқимоқ, роса (тўйгунча) ўқи-моқ; ~ **книг** кўп китоб ўқимоқ.

НАЧИ́ТЫВАТЬ I *несов. см.* **начёсть.**

НАЧИ́ТЫВАТЬ II *несов. см.* **начита́ть.**

НАЧИХА́ТЬ *сов. на кого-что* 1 *разг.* аксириб тупук сачратмоқ, тегизмоқ; 2 *перен. прост.* тупурмоқ, нуль қўй-моқ, менсимай қарамоқ, назар-писанд қилмаслик; **мне ~ на э́то** мен тупурдим бунга; менга бари бир.

НАЧИ́ЩАТЬ *несов. см.* **начи́стить.**

НАЧИ́ЩАТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **начи́ститься;** 2 *страд. от* **начища́ть.**

НАЧХА́ТЬ *сов. прост. то же, что* **начиха́ть.**

НАШ, -а, -е *мест. притяж.* 1 бизнинг, ўзимизнинг; ~**а Ро́дина** бизнинг Ватанимиз; ~**а цель — мир на земле́** бизнинг мақсадимиз — дунёда тинчлик; 2 бизнинг, биз айтган (олган, зикр қилган); ~ **расска́з** бизнинг ҳикоямиз; ~ **геро́й** бизнинг қаҳрамон(имиз); 3 *в знач. сущ.* ~**е** *с разг.* биз-нинг (бизга, ўзимизга тегишли) нарса, бизники; ~**его мы не отдади́м никому́** ўзимизникини (ўз еримизни, ватани-мизни ва ҳ. к.) ҳеч кимга бермаймиз; **вы зна́ете не ме́нь-ше ~его** сиз биз билгандан кўра (биздан кўра) кўпроқ биласиз; 4 *в знач. сущ.* ~**и** *мн. разг.* бизники, бизникилар, яқинлар, қариндошлар; ~**и уе́хали в дере́вню** бизни-килар қишлоққа кетишди; ✦ ~**а берёт (взяла́)** бизникилар ғолиб чиқяпти (ютяпти); бизникиларнинг қўли баланд; **знай ~их** бизни билиб қўй (кўриб қўй); ~**е вам!** *прост. шутл.* саломлар бўлсин!; саломларимиз сизга!; **и ~им и ва́шим** у ёққа ҳам, бу ёққа ҳам, икки томонга (мунофиқо-на); **где ~е не пропада́ло** нима бўлса бўлар, тавакқал; **по-~ему** *нареч.* бизнингча, бизнинг фикримизча; биз айт-гандек, ўйлагандек.

НАША́РМАКА *нареч. прост.* текин, пул тўламай, би-ровнинг ҳисобига; **прое́хать ~** пул тўламай кетмоқ (транс-портда).

НАША́РОМЫЖКУ *нареч. прост. то же, что* **нашарма-ка́.**

НАША́ТЫРНЫЙ, -ая, -ое нашатирга, новшадилга оид; нашатир...; новшадил...; ~ **спирт** нашатир спирт.

НАША́ТЫРЬ *м, р.* **-ря́** *хим.* 1 нашатирь, новшадил; 2 *разг. то же, что* **нашаты́рный спирт.**

НАШЕ́ЙНИК *м обл. то же, что* **оше́йник.**

НАШЕ́ЙНЫЙ, -ая, -ое *уст.* бўйинга солинадиган (оси-ладиган, тақиладиган); бўйиндаги; бўйин...; ~ **плато́к** бў-йинга солинадиган (ташлаб юриладиган) рўмол; ~ **о́рден** бўйинга осиб юриладиган орден.

НАШЕНСКИЙ, -ая, -ое *прост.* бизники, ўзимизники, бизга тегишли, яқин, қариндош.

НАШЕПТА́ТЬ, -епчу́, -е́пчешь *сов.* (*несов.* **нашёпты-вать**) 1 *что, чего* и *без доп.* шивир-шивир қилмоқ, пичир-лаб айтмоқ, қулоғига етказмоқ; 2 *на что* дам солмоқ, ўқи-моқ; ~ **на во́ду** сувга дам солмоқ.

НАШЕПТА́ТЬСЯ, -епчу́сь, -е́пчешься *сов.* (*несов.* **на-шёптываться**) шивир-шивир гаплашмоқ, пичирлашмоқ.

НАШЁПТЫВАТЬ *несов. от* **нашепта́ть.**

НАШЁПТЫВАТЬСЯ *несов.* 1 **нашепта́ться;** 2 *страд. от* **нашёптывать.**

НАШЕ́СТВИЕ *с* 1 босқин, бостириб келиш (бориш), тажовуз, ҳужум; истило; ~ **Наполео́на** Наполеон истилоси; 2 *перен. разг. шутл.* бирдан (тўсатдан) келиб қолиш, бо-сиш; **вчера́ у нас бы́ло ~ нежда́нных госте́й** кеча уйимиз-ни кутилмаган меҳмонлар босди.

НАШИВА́ТЬ *несов. см.* **наши́ть.**

НАШИ́ВКА *ж, р. мн.* **-вок** 1 *по гл.* **наши́ть — наши-ва́ть;** 2 устидан ёпиштирилган (устига қўйиб тикилган) нарса, нашивка; ~ **на пого́нах** погонга тикилган нашивка, погон нашивкаси.

НАШИВН/О́Й, -а́я, -о́е ёпиштирма, устидан тикилган; ~**ы́е карма́ны** ёпиштирма чўнтаклар.

НАШИНКОВА́ТЬ, -ку́ю, -ку́ешь *сов.* (*несов.* **нашинко́-вывать**) *что* и *чего* бир миқдор майдалаб тўғрамоқ, тўғраб қўймоқ; ~ **капу́сты** бир миқдор карам тўғрамоқ; ~ **бо́чку капу́сты** бир бочка карам тўғрамоқ.

НАШИНКО́ВЫВАТЬ *несов. см.* **нашинкова́ть.**

НАШИ́ТЬ, -шью́, -шьёшь *сов.* (*несов.* **нашива́ть**) 1 *что* устига (устидан) тикмоқ, ёпиштириб тикмоқ; ~ **карма́н** устидан ёпиштириб чўнтак тикмоқ; 2 *что* и *чего* бир миқ-дор (кийим-кечак ва ҳ. к.) тикмоқ, тикиб қўймоқ, тикиб ташламоқ; ~ **мно́го пла́тьев** анча-мунча кўйлак тикиб таш-ламоқ.

НАШЛЁПАТЬ *сов.* 1 *кого разг.* тарсакиламоқ, тарса-килаб урмоқ, тарс-тарс шапалоқ солмоқ, туширмоқ; 2 *что* и *чего прост.* тап-тап босмоқ, босиб ташламоқ (печать, белги ва ш. к. ҳақида).

НАШПИГОВА́ТЬ, -гу́ю, -гу́ешь *сов.* (*несов.* **нашпиго́-вывать**) 1 *что* и *чего* ичига (орасига) шпик (ёғ, саримсоқ) тиқмоқ, тиқиб бир миқдор тайёрламоқ; ~ **мя́со** гўштнинг орасига ёғ тиқмоқ; 2 *перен. кого-что разг.* кўп билим (маъ-лумот ва ш. к.) бермоқ; хўп ўргатмоқ, ўқитмоқ, маълумот (тафсилот ва ш. к.) билан тўлдирмоқ; ~ **репорта́ж подро́б-ными све́дениями** репортажни батафсил маълумотлар билан тўлдирмоқ.

НАШПИГОВЫВАТЬ *несов. см.* **нашпигова́ть.**

НАШПИ́ЛИВАТЬ *несов. см.* **нашпи́лить.**

НАШПИ́ЛИТЬ *сов.* (*несов.* **нашпи́ливать**) 1 *кого-что* санчиб (қадаб, тиқиб) қўймоқ; ~ **жука́** қўнғизни тўғнағич-га санчиб қўймоқ (мас., коллекциялаш учун); 2 *что* **тўғна-ғич** билан маҳкамламоқ, тақмоқ, маҳкамлаб (тиқиб) қўй-моқ; ~ **во́лосы** сочларини тўғнағич билан маҳкамлаб қўй-моқ; ~ **ле́нту на шля́пу** лентани шляпага қадаб қўймоқ.

НАШТАМПОВА́ТЬ, -пу́ю, -пу́ешь *сов.* (*несов.* **наштам-по́вывать**) *что* и *чего* бир миқдор штампламоқ, штамплаб қўймоқ, тайёрламоқ; ~ **га́ек** бир миқдор гайка штампла-моқ.

НАШТАМПО́ВЫВАТЬ *несов. см.* **наштампова́ть.**

НАШТО́ПАТЬ *сов. что* и *чего разг.* тўрлаб бир миқ-дор нарса ямамоқ, ямаб (бутунлаб) қўймоқ; ~ **носко́в** пай-поқларни тўрлаб бутунлаб қўймоқ.

НАШУМЕ́/ТЬ, -млю́, -ми́шь *сов.* 1 шовқин солмоқ, шовқин-сурон қилмоқ; ғовға кўтармоқ; ~**ть в кварти́ре** квартирада шовқин-сурон қилмоқ; 2 *перен.* овоза (шов-шув) бўлмоқ, довруқ солмоқ, довруқ чиқармоқ; ~**вшее де́ло** довруғи чиққан (овоза, шов-шув бўлган) иш.

НАЩЁЛКАТЬ *сов.* (*несов.* **нащёлкивать**) 1 *что* и *чего* бир миқдор (писта, бодом, ёнғоқ ва ҳ. к.) чақмоқ, чақиб қўймоқ, чақиб ташламоқ; 2 *прост.* роса чертмоқ, чертиб-чертиб ташламоқ; ~ **по лбу** пешанасига чертиб-чертиб таш-ламоқ.

НАЩЁЛКИВА/ТЬ *несов.* 1 *см.* **нащёлкать;** 2 *чем* қарсиллатмоқ, тарсиллатмоқ, шиқирлатмоқ, ғижирлатмоқ; ~**ть кнуто́м** қамчинни қарсиллатмоқ; 3 чирқилламоқ, чу-ғурламоқ; сайрамоқ; **в кле́тке ~ет пе́репел** қафасда беда-на сайраяпти.

НАЩЕПА́ТЬ, -еплю́, -е́плешь *сов. что* и *чего* бир миқ-дор нарса тилмоқ, тилишламоқ, тилиб (тилишлаб) тайёр-ламоқ; ~ **лучи́н для самова́ра** тилишлаб самоварга пайраха тайёрламоқ.

НАЩИПА́ТЬ, -иплю́, -и́плешь *сов.* (*несов.* **нащи́пы-вать**) 1 *что* и *чего* бир миқдор юлмоқ, юлиб олмоқ, юлиб қўймоқ; ~ **травы́** бир миқдор ўт юлмоқ; 2 *кого-что разг.* чимчиламоқ, чимчилаб ташламоқ, ўйиб ташламоқ; ≃ **щёки** юзларини чимчилаб ташламоқ.

НАЩИ́ПЫВАТЬ *несов. см.* **нащипа́ть.**

НАЩУ́ПА/ТЬ *сов.* (*несов.* **нащу́пывать**) *что* 1 пайпаслаб (сийпалаб, силаб) топмоқ, силаб (ушлаб кўриб) билмоқ; **врач ~л пульс** врач томирини ушлаб кўрди; **[Лае́вский] ~л у себя́ в карма́не письмо́** (Чехов) [Лаевский] чўнтагини пайпаслаб хатни топди; 2 *перен.* ўсмоқчилаб (қидириб) топмоқ, суриштириб (текшириб) билмоқ, аниқ-ламоқ; ~**ть сла́бые места́ в рабо́те** ишдаги камчиликларни топмоқ; ✦ ~**ть по́чву** замин ҳозирламоқ.

НАЩУПЫВАТЬ *несов. см.* **нащу́пать.**

www.ziyouz.com kutubxonasi

НАЭЛЕКТРИЗ/ОВА́ТЬ, -зу́ю, -зу́ешь *сов. (несов.* **наэлектризо́вывать)** *кого-что* 1 электрламоқ, электр заряди бермоқ; **~ова́ть те́ло** жисмни электрламоқ; 2 *перен.* ҳаяжонлантирмоқ, ҳаяжонга солмоқ, қизиқтирмоқ, кескинлаштирмоқ, кескинлаштириб юбормоқ; **обстано́вка ~о́вана** вазият кескинлашиб кетди (турипти).

НАЭЛЕКТРИЗОВА́ТЬСЯ *сов. (несов.* **наэлектризо́вываться)** 1 **-зу́ется** электрланмоқ, электр заряди олмоқ; 2 **-зу́юсь, -зу́ешься** *перен.* ҳаяжонланмоқ, ҳаяжонга келмоқ, қизишмоқ; кескинлашиб кетмоқ.

НАЭЛЕКТРИЗОВЫВАТЬ *несов. см.* **наэлектризова́ть.**

НАЭЛЕКТРИЗОВЫВАТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **наэлектризова́ться; 2** *страд. от* **наэлектризо́вывать.**

НАЯБЕДНИЧАТЬ *сов. на кого* чақимчилик (чақмачақарлик) қилмоқ, чақмоқ.

НАЯ́ВУ *нареч.* ўнгда (**тушда эмас**); ҳақиқатда; **не во сне, а ~** туши(м)да эмас, ўнги(м)да; туш эмас, ҳақиқат.

НЕ I *частица отриц.* 1 **инкорни,** бўлишсизликни ифодалайди; ўзидан кейинги сўз **бы́лан** бирга шу сўздан англашилган маъно зиддини билдиради; **не уходи́!** кетма!; **я не ухожу́** мен кетмайман; мен кетаётганим йўқ; **не я, а ты** мен эмас, сен; **он живёт не здесь** у бу ерда турмайди (бошқа ерда туради); **у меня́ не́ было вре́мени** вақтим йўқ эди; **не быва́ть э́тому** бунинг бўлиши мумкин эмас, бундай бўлмайди; **вам не поня́ть э́того** сиз буни тушуна олмайсиз; 2 ноаниқликни, тўлиқ бўлмаган инкорни ифодалайди; **пальто́ не пальто́** пальто бўлиб пальтомас; пальто десанг, пальтога ўхшамайди; **все проснýлись от землетрясе́ния. И сон уже́ был не в сон** зилзиладан ҳамма уйғониб кетди. Уйқу ҳам уйқудек бўлмади; **гори́т не гори́т** ёнишининг тайини йўқ; зўрға ёниб турипти; 3 ифодага дарак (бўлишлилик) маъносини беради, **нельзя́ не люби́ть оте́чества** ватанни севмаслик мумкин эмас (севмасдан бўлмайди); **я не мог не призна́ть свое́й вины́** ўз айбимга иқрор бўлмай қололмасдим (иложим йўқ эди); **он не мог не прийти́** у келмай қололмасди; унинг келмай қолиши (келмаслиги) мумкин эмас эди; **кто не восхища́лся великоле́пием истори́ческих па́мятников Самарка́нда!** Самарқанддаги тарихий ёдгорликларнинг ажойиб ҳашамати билан ким завқланмаган дейсиз!; 4 сўз ёки ифодага чекланган бўлишлилик маъносини беради; **не ху́до бы прогуля́ться** бир айланиб келинса, ёмон (чакки) бўлмас эди; **он челове́к не без тала́нта** у истеъдодсиз одам эмас; **она́ не неприя́тна** у қиз (аёл) ёқимсиз эмас; **не без э́того** бусиз бўлмайди; **чуть не упа́л** йиқилиб кетай деди(м); йиқилиб тушишимга сал қолди; 5 баъзи ҳолларда иш-ҳаракатни тамомлаб, охирига етказиб бўлмасликни билдиради; **ника́к не налюбу́ешься приро́дой родно́го кра́я!** жонажон ўлка табиатини кўриб, кўзинг тўймайди; 6 баъзи боғловчиларнинг ва боғловчи сўзларнинг таркибида келади, мас., **не то** (или **а не то**) йўқса, бўлмаса, акс ҳолда; **не то... не то** у ҳам (ундай ҳам) эмас, бу (бундай) ҳам эмас; **не то что... а; не то что не... а; не то что́бы... а; на то что́бы не... а** *см.* **что, что́бы; не кто ино́й (друго́й)... как** *см.* **ино́й; не что ино́е (друго́е)... как** *см.* **ино́й; не то́лько... но и** ...гина эмас, балки...; **не сто́лько... ско́лько; не насто́лько... что́бы** *см.* **сто́лько, ско́лько; хотя́ не... но (одна́ко)** *см.* **хотя́; тем не ме́нее** *см.* **ме́нее.**

НЕ II «не́кого», «не́чего» олмошларининг бир қисми бўлиб, предлоглар билан келганда ажратиб ёзилади; **не́ с ке́м поговори́ть** ҳеч ким билан гапиришиб бўлмайди; **не́ у кого́ спроси́ть** сўрайдиган одам йўқ; **нам не́ о чём с ним говори́ть** бизнинг у билан гапиришадиган гапимиз йўқ.

НЕ- *приставка* от ва сифат ясовчи қўшимча бўлиб, қарама-қарши ёки инкор (бўлишсизлик) маъносини беради, мас., **неприя́тель, невесёлый, невы́езд, неплохо́й.**

НЕАККУРА́ТН/ЫЙ, -ая, -ое; -тен, -тна 1 тартиб-қоидага риоя қилмайдиган, ишни ўз вақтида бажармайдиган, бебурд, бетайин; **~ый плате́льщик** қарзини (солиқ, взнос ва ҳ. к. ни) ўз вақтида тўламайдиган одам; 2 *разг.* қўпол ишланган, пала-партиш бажарилган, беўхшов, қўпол-сўпол; **~ая рабо́та** пала-партиш (беўхшов) иш; 3 пала-партиш, искирт, иркит, ифлос; **~ый челове́к** пала-партиш (искирт) одам; **~ая оде́жда** пала-партиш (искирт) кийим.

НЕАНДЕРТА́ЛЕЦ *м, р.* **-льца** *археол.* неандерталь (қадимги ва ўрта палеолит даврларида яшаган одам).

НЕАНДЕРТА́ЛЬСКИЙ, -ая, -ое *археол.* неандерталларга оид; неандерталь(лар)...; **~ че́реп** неандерталь одамнинг бош суяги; **~ челове́к** *то же, что* **неандерта́лец.**

НЕБЕЗВРЕ́Д/НЫЙ, -ая, -ое; -ден, -дна безарар (безиён, зарарсиз) деб бўлмайдиган, ҳийла (анчагина) зарарли; ўзига яраша зиёнли; **~ая игра́** безарар деб бўлмайдиган ўйин; **~ый челове́к** ўзига яраша ҳийла (анчагина) қитмир (ёмон) одам; **~ые напи́тки** анчагина зарарли ичимликлар.

НЕБЕЗВЫГО́ДН/ЫЙ, -ая, -ое; -ден, -дна бефойда (фойдасиз, фойдаси йўқ) деб бўлмайдиган, ҳийла (анчагина) фойдали, фойда келтирадиган, фойдадан ҳоли эмас; **~ая торго́вля** анчагина фойда келтирадиган савдо-сотиқ.

НЕБЕЗГРЕ́ШН/ЫЙ, -ая, -ое; -шен, -шна 1 бегуноҳ (гуноҳсиз, гуноҳи йўқ) деб бўлмайдиган, анчагина гуноҳли, гуноҳкор; **~й челове́к** анчагина гуноҳли одам; 2 айби йўқ деб бўлмайдиган, айб саналадиган, айбли; **~е чу́вства** айб саналадиган ҳис-туйғулар; 3 *разг.* тўғри (ҳалол, қонуний) деб бўлмайдиган, нопок, харом, ғайриқонуний; **~е дохо́ды** нопок даромадлар.

НЕБЕЗДА́РН/ЫЙ, -ая, -ое; -рен, -рна 1 таланти (истеъдоди) йўқ деб бўлмайдиган, ҳийла (анчагина) истеъдодли, ўзига яраша таланти бор; **~ писа́тель** ўзига яраша истеъдодли ёзувчи; 2 *разг.* нўноқ (бўш, сийқа) деб бўлмайдиган, ўзига яраша пишиқ; **~ое произведе́ние** ўзига яраша пишиқ асар.

НЕБЕЗНАДЕ́ЖН/ЫЙ, -ая, -ое; -жен, -жна бутунлай умидсиз (умидни узадиган даражада) эмас, умид қилса бўладиган; **положе́ние ~ое** аҳвол умидни узадиган даражада эмас.

НЕБЕЗОБИ́ДН/ЫЙ, -ая, -ое; -ден, -дна 1 мулойим (беозор) деб бўлмайдиган, унчалик мулойим (беозор) эмас, ўзига яраша дилозор, ранжита оладиган; **~ый челове́к** ўзига яраша дилозор одам; 2 қаттиқ тегадиган; кўнгил қолдирадиган, шунчаки эмас, оғир; **э́то ~ая ре́чь** бу шунчаки гап эмас (оғир гап); 3 зарарсиз деб бўлмайдиган, зарари (зиёни) бор; **~ое лека́рство** зарари бор дори.

НЕБЕЗОПА́СН/ЫЙ, -ая, -ое; -сен, -сна 1 бехатар (хавфсиз) деб бўлмайдиган, хатардан ҳоли эмас, ўзига яраша хатарли, хавфли, таҳликали; **~ый путь** ўзига яраша хатарли йўл; **~ые де́йствия** хатардан ҳоли эмас иш (ҳаракат); 2 безарар (зарарсиз) деб бўлмайдиган; ҳийла (анчагина) зарарли, хавфли; **~ое сре́дство** анчагина зарарли (хавфли) дори-дармон.

НЕБЕЗОСНОВА́ТЕЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое; -лен, -льна асоссиз эмас, етарли асоси (таги) бор, асосли; **~е предположе́ния** асосли тахмин; **~е вы́воды** етарли асоси бор хулосалар.

НЕБЕЗРАЗЛИ́Ч/НЫЙ, -ая, -ое; -чен, -чна 1 беғараз (холис) деб бўлмайдиган, манфаатли, манфаатдор, ғаразли; **~ное отноше́ние** ғаразли (бирор манфаат билан) қараш; 2 *для кого* или *кому* бефарқ (бари бир) эмас; **исхо́д э́того де́ла ~ен для меня́** бу ишнинг оқибати мен учун бефарқ (бари бир) эмас; **де́вушка ~на ю́ноше** қиз йигитга бефарқ эмас (уни севади).

НЕБЕЗРЕЗУЛЬТА́ТН/ЫЙ, -ая, -ое; -тен, -тна бутунлай натижасиз эмас, маълум даражада натижали, муваффақиятли; **~ая экспеди́ция** маълум даражада натижали (муваффақиятли) экспедиция.

НЕБЕЗУКОРИЗНЕ́НН/ЫЙ, -ая, -ое бенуқсон (бекамкўст) деб бўлмайдиган, камчилиги (нуқсони) йўқ эмас, камчиликлардан ҳоли эмас; **~ое поведе́ние** бенуқсон деб бўлмайдиган хулқ-атвор.

НЕБЕЗУПРЕ́ЧН/ЫЙ, -ая, -ое; -чен, -чна бенуқсон (соф, пок) деб бўлмайдиган, камчиликлардан (хатолардан) ҳоли эмас; **~ое про́шлое** бенуқсон (пок) деб бўлмайдиган ўтмиш.

НЕБЕЗУЧА́СТНЫЙ, -ая, -ое; -тен, -тна 1 холис (бефарқ) эмас, қизиқувчи, манфаатдор; хайрихоҳ; **~ свиде́тель** хайрихоҳ гувоҳ; **~ зри́тель** қизиқувчи томошабин; 2 хайрихоҳона, қизиқиш (хайрихоҳлик, ачиниш) ифодаловчи; **~ взгляд** хайрихохона қараш; ачиниб қараш.

НЕБЕЗЫЗВЕ́СТН/ЫЙ, -ая, -ое; -тен, -тна анча маълум, машҳур, ном чиқарган, маълум-машҳур; **~ая исто́рия маълум-машҳур воқеа.**

www.ziyouz.com kutubxonasi

НЕБЕЗЫНТЕРЕ́СН/ЫЙ, -ая, -ое; -сен, -сна қизиғи (аҳамияти) йўқ эмас, анча қизиқ, қизиғи (аҳамияти) бор; аҳамиятга молик, қизиқарли; **~ые фа́кты** қизиқарли (аҳамияти бор) фактлар.

НЕБЕСА́ *см.* **не́бо.**

НЕБЕСКОРЫ́СТН/ЫЙ, -ая, -ое; -тен, -тна 1 холисона (беғараз) деб бўлмайдиган, бирор ғараз (мақсад) билан қилинган, ғаразли, ғаразгўй; **~ая по́мощь** ғаразли ёрдам; 2 ўз манфаатини ўйлаб (кўзда тутиб) қилинган, ўз манфаатини ўйлидаги; **~ое любопы́тство** ўз манфаатини ўйлаб қизиқсиниш.

НЕБЕ́СН/ЫЙ, -ая, -ое 1 осмонга (кўкка) оид; осмондаги, кўкдаги; осмон...; **~ый свод** осмон гумбази; **~ые тела́** осмон жисмлари; 2 ҳаво ранг, кўм-кўк; **пла́тье ~ого цве́та** ҳаво ранг (осмон ранг) кўйлак; 3 *перен. уст. поэт.* чиройли, ғоят гўзал, мулойим, ажойиб; ✦ **ца́рство (ца́рствие) ~ое** *кому* жойи жаннатда бўлсин; **царица́ ~ая** Биби Марям; **царь** (или **оте́ц**) **~ый** парвардигори олам, худо; **о́лух царя́ ~ого** *см.* **о́лух**; **как ма́нны ~ой** (ждать, жа́ждать и т. п.); **ма́нной ~ой пита́ться** *см.* **ма́нна**; **как пти́ца ~ая** *см.* **пти́ца.**

НЕБЕСПОЛЕ́ЗН/ЫЙ, -ая, -ое; -зен, -зна фойдадан холи эмас, маълум даражада фойдали, фойдаси (нафи, манфаати) бор; **э́та кни́га ~а** бу китобнинг фойдаси йўқ эмас, бу китоб фойдадан холи эмас; **~ое уси́лие** бекор (зое) кетмайдиган ҳаракат.

НЕБЕСПРИСТРА́СТН/ЫЙ, -ая, -ое; -тен, -тна холис (холисона) деб бўлмайдиган, холис (беғараз) эмас, ғаразли, бирор мақсадни кўзлаб (бир нарса илинжида) қилинган; **~ый кри́тик** холис (беғараз) деб бўлмайдиган мунақид; **~ая похвала́** холисона деб бўлмайдиган мақтовлар; бирор нарса илинжида мақташ.

НЕБЛАГОВИ́ДНЫЙ, -ая, -ое; -ден, -дна ёмон, ножўя, нолойиқ, хунук; ~ **посту́пок** ножўя хатти-ҳаракат.

НЕБЛАГОВОСПИ́ТАННЫЙ, -ая, -ое; -тан, -танна яхши тарбия кўрмаган (олмаган), беадаб.

НЕБЛАГОДА́РН/ЫЙ, -ая, -ое; -рен, -рна 1 яхшиликни билмайдиган, қадр-қимматига етмайдиган, кўрнамак, нонкўр, оқибатсиз; **~ый челове́к** кўрнамак одам; 2 *перен.* бекор (зое) кетадиган, меҳнатга арзимайдиган, тақдир этилмайдиган; **~ый труд** меҳнат зое кетадиган иш; 3 *перен. разг.* номуносиб, муносиб келмайдиган, келишиб тушмайдиган, талабга жавоб бермайдиган; **~ая для сце́ны вне́шность** саҳнага номуносиб қиёфа.

НЕБЛАГОЖЕЛА́ТЕЛЬНЫЙ, -ая, -ое; -лен, -льна бировга яхшилик қилмайдиган, яхшиликни раво кўрмайдиган, ёмонлик тиловчи (қилувчи), бадхоҳ.

НЕБЛАГОЗВУ́ЧИЕ *с* оҳангсизлик, ҳамоҳанг эмаслик, қулоққа ёқмаслик; оҳангсиз (ҳамоҳанг бўлмаган, қулоққа ёқмайдиган) товушлар.

НЕБЛАГОЗВУ́ЧН/ЫЙ, -ая, -ое; -чен, -чна оҳангсиз, ҳамоҳанг бўлмаган, қулоққа ёқмайдиган; **~е стихи́** оҳангсиз шеърлар.

НЕБЛАГОНАДЕ́ЖНЫЙ, -ая, -ое; -жен, -жна 1 ишониб бўлмайдиган, ишончсиз; 2 шубҳали, шубҳа остига олинган (Чор Россияси даврида).

НЕБЛАГОНАМЕ́РЕННЫЙ, -ая, -ое; -рен, -ренна нияти ёмон (бузуқ), ёвуз ниятли; ~ **челове́к** нияти ёмон одам.

НЕБЛАГОПОЛУ́ЧИЕ *с* ёмон (ночор, нохуш, оғир) аҳвол, нохушлик, кўнгилсизлик, бахтсизлик.

НЕБЛАГОПОЛУ́ЧНО *нареч. в знач. сказ.* ёмон (ночор, нохуш, оғир) аҳволда, яхши (жойида) эмас, бетинч, нотинч; **у него́ в семье́** ~ унинг оиласи тинч эмас (бетинч).

НЕБЛАГОПОЛУ́ЧН/ЫЙ, -ая, -ое; -чен, -чна 1 кўнгилдагидек (кутилгандек) бўлмаган, яхши чиқмаган, оқибати ёмон, нохуш; **~ая опера́ция** яхши чиқмай қолган операция; **~ый исхо́д де́ла** ишнинг ёмон оқибат билан тугаши; 2 иши ўнгмаган, юришмаган; **~ый челове́к** иши ўнгмаган одам.

НЕБЛАГОПРИСТО́ЙНЫ/Й, -ая, -ое; -о́ен, -о́йна беадаб, ножўя, нолойиқ, ёмон, ярамас; **~е жесты** беадаб имо-ишоралар; **~й посту́пок** ножўя хатти-ҳаракат.

НЕБЛАГОПРИ́ЯТН/ЫЙ, -ая, -ое; -тен, -тна 1 ноқулай, номувофиқ, нобоп, ўнғайсиз, ёмон; **~ая пого́да** ёмон (бузуқ) ҳаво, номувофиқ об-ҳаво; **~ая обстано́вка** ноқулай шароит; 2 салбий, ёмон; **~ый о́тзыв** салбий баҳо; **оста́вить ~ое впечатле́ние** ёмон таассурот қолдирмоқ.

НЕБЛАГОРАЗУ́МИЕ *с* ўйламасдан иш қилиш; ўйламасдан қилинган иш, номаъқулчилик, енгилтаклик.

НЕБЛАГОРАЗУ́МНЫЙ, -ая, -ое; -мен, -мна 1 ўйламасдан иш қиладиган, енгилтак; ~ **челове́к** ўйламасдан иш қиладиган одам; 2 ўйламасдан қилинган, номаъқул, нотўғри; ~ **посту́пок** ўйламасдан қилинган иш, енгилтаклик, номаъқулчилик.

НЕБЛАГОРО́ДН/ЫЙ, -ая, -ое; -ден, -дна 1 разил, қабиҳ, паст, пасткаш, ярамас, нокас; 2 ножўя, ярамас; **~ый посту́пок** ножўя ҳаракат; 3 дворянлар (оқсуяклар) табақасидан бўлмаган ,оддий; 4 келишмаган, қўпол, дағал; **~е движе́ния** қўпол (келишмаган) ҳаракатлар; ✦ **~е мета́ллы** аслмас (ҳавода оксидланадиган) металлар (мас., мис, темир, қўрғошин ва ш. қ.).

НЕБЛАГОСКЛО́Н/НЫЙ, -ая, -ое; -нен, -нна 1 хуши (рағбати, майли, хоҳиши) йўқ, хуш (маъқул) кўрмайдиган, ёқтирмайдиган; **он ~ен к вам** унинг сизга хуши йўқ, у сизни хуш кўрмайди; 2 маъқул топмай (хуш кўрмай) қилинган, маъқулламовчи; **~ный отве́т** маъқулламай берилган жавоб.

НЕ́БН/ЫЙ, -ая, -ое 1 танглайга оид, танглай...; **~ые ко́сти** танглай суяклари; 2 *лингв.* тилни танглай томон кўтариб талаффуз этиладиган; танглай...; **~ые согла́сные** танглай ундошлари; ✦ **~ая занаве́ска** *анат.* юмшоқ танглай.

НЕ́Б/О *с, мн.* **небеса́** осмон, кўк, само, фалак; ✦ **под откры́тым ~ом** очиқ ҳавода; **на седьмо́м ~е быть** (или **чу́вствовать себя́**) оғзи қулоғида бўлмоқ; боши кўкка етмоқ; **превознести́ (вознести́) до небе́с** кўкларга кўтариб мақтамоқ; **(отлича́ться) как ~о от земли́** ер билан осмонча фарқи бўлмоқ; **вита́ть ме́жду ~ом и землёй** *см.* **вита́ть**; **ме́жду ~ом и землёй** (жить, находи́ться и т. п.) уй-жойсиз (бошпанасиз) қолмоқ (яшамоқ); **попа́сть па́льцем в ~о** таваккал қилиб айтмоқ, ўринсиз (хато) гапирмоқ, ҳавойи гап қилмоқ; **упа́сть** (или **сойти́**) **с ~а на зе́млю** хаёл осмонидан тушмоқ, ўзига келмоқ.

НЕ́БО *с анат.* танглай; **твёрдое ~** қаттиқ танглай; **мя́гкое ~** юмшоқ танглай.

НЕБОГА́ТО 1 *нареч.* қўл учида, ночор; **они́ живу́т ~** улар қўл учида кун кўради; 2 *в знач. сказ. разг.* кўп (сероб) эмас, оз, тақчил, танқис; **с водо́й в пусты́не ~** чўлда сув танқис.

НЕБОГА́Т/ЫЙ, -ая, -ое 1 унчалик бой бўлмаган, камбағал; **~ый крестья́нин** унчалик бой бўлмаган деҳқон; 2 унчалик бой (тўкис, ҳашамдор) бўлмаган, ясатилмаган, оддийгина; **~ая ко́мната** оддийгина хона; **~ый наря́д** оддийгина кийим; 3 ...га бой эмас, кўп (сероб) эмас, оз, кам, камчил, тақчил, танқис; камбағал; **~ый запа́с слов** сўз бойлиги кам; **в э́том магази́не ~ый вы́бор това́ров** бу магазинда товарларнинг тури унчалик кўп эмас; **ме́стность, ~ая фло́рой** ўсимликларга бой эмас жой.

НЕБО́ЛЬШ/О́Й, -а́я, -о́е 1 унчалик катта (ёки кўп) бўлмаган, кичкина, оз, кам; **~о́й кора́бль** кичкина кема; **~а́я су́мма** оз сумма; **~о́й отря́д** кичкина отряд, одами унча кўп бўлмаган отряд; **за ~о́й промежу́ток вре́мени** оз (қисқа) вақт ичида; 2 арзимаган, кичкина, озгина, андак, жузъий; **~о́е затрудне́ние** озгина қийинчилик; **~а́я услу́га** кичкина (арзимаган) хизмат; **~а́я оши́бка** жузъий хато; **~о́й го́лос** паст овоз; 3 унчалик мавқега (нуфузга) эга бўлмаган, ўрта-миёна, ўртача, кичкина, анчаки, унчалик эмас; **~о́й чин** кичкина унвон; **~о́й худо́жник** ўрта-миёна рассом; **~о́й знато́к те́хники** техникадан бир оз хабари бор одам; **~о́й люби́тель теа́тра** анчаки театр ҳаваскори; ✦ **с ~и́м** бирмунча ошиқ, салгина ошиқ; **молодо́му челове́ку бы́ло лет два́дцать с ~и́м** йигитчанинг ёши йигирмадан сал ошиқ эди.

НЕБОСВО́Д *м* осмон, фалак; осмон гумбази.

НЕБОСКЛО́Н *м* уфқ, осмон этаги.

НЕБОСКРЕ́Б *м* осмонўпар иморат, кўп қаватли баланд бино.

НЕБО́СЬ *частица усилит.* албатта, ...са керак; ...дир; **испуга́лись, ~** қўрқиб кетгандирсиз, албатта; ✦ **авось да ~ таваккал, бўлганича бўлар, нима бўлса бўлар.**

www.ziyouz.com kutubxonasi

НЕБРЕЖНОСТЬ *ж* 1 бепарволик, совуққонлик, эътиборсизлик, пала-партишлик; **допустить ошибку по ~и** эътиборсизлик (пала-партишлик) орқасида хатога йўл қўймоқ; 2 ажи-бужилик, чалакам-чаттилик, пала-партишлик; **~ь записи** ёзувнинг (ёзиб олинган нарсанинг) пала-партишлиги; 3 илтифотсизлик, назари илмаслик, рўйихуш бермаслик; **~ь в обращении** рўйихуш бермай муомала қилиш.

НЕБРЕЖНЫЙ, **-ая**, **-ое**; **-жен**, **-жна** 1 бепарво, совуққон, эътиборсиз, пала-партиш (чала-чулпа) иш қиладиган; **~ работник** бепарво (пала-партиш) ходим; 2 ажи-бужи, ёмон-жумон; **~ почерк** ажи-бужи хат (дастхат); 3 илтифотсизлик билан (назари илмай) қилинган, тўнг, қўпол; **~ тон** тўнг муомала; **~ ответ** назари илмай берилган жавоб.

НЕБЫВАЛ/ЫЙ, **-ая**, **-ое** 1 мисли кўрилмаган, мислсиз, эшитилмаган; **~ый урожай** мисли кўрилмаган ҳосил; **~ая засуха** мисли кўрилмаган қурғоқчилик; 2 *уст.* и *прост.* кўп жойларни кўрмаган, турмуш тажрибаси йўқ, содда, ғўр.

НЕБЫВАЛЬЩИНА *ж разг. то же, что* **небылица**.

НЕБЫЛИЦА *ж* 1 уйдирма, тўқима, бўлмаган (ёлғон) гап (иш), сафсата, афсона; 2 чўпчак, эртак.

НЕБЫТИЕ *с* фано, йўқлик; ҳаётнинг, фаолиятнинг йўқ бўлиб кетиши; ✦ **перейти в ~** *уст.* ўлмоқ, йўқ бўлмоқ, фанога кетмоқ.

НЕБЬЮЩ/ИЙСЯ, **-аяся**, **-еется** синмайдиган; **~еется стекло** синмайдиган ойна (шиша).

НЕВАЖНО 1 *нареч.* унча яхши эмас, ёмон; **дела у него обстоят ~** иши унча яхши эмас (пачава), ишининг мазаси йўқ; **чувствую себя ~** мазам йўқ, мазам қочиб турипти; 2 *в знач. сказ.* унча аҳамияти йўқ, ҳечқиси йўқ, ҳеч нарса эмас; **всё это ~** буларнинг унча аҳамияти йўқ, булар ҳеч нарса эмас.

НЕВАЖН/ЫЙ, **-ая**, **-ое**; **-жен**, **-жна** 1 аҳамиятсиз, унчалик аҳамиятга эга бўлмаган, аҳамияти йўқ; **~ый вопрос** аҳамиятсиз масала; 2 *разг.* ёмон, пачава; **у него ~ое самочувствие** унинг соғлиғи ёмон (яхши эмас).

НЕВДАЛЕКЕ *нареч.* яқин жойда, шу атрофда, шу ўртада; **он живёт ~** у шу атрофда туради.

НЕВДАЛИ *нареч. то же, что* **невдалеке**.

НЕВДОМЁК *нареч. в знач. сказ. кому разг.* тушунмайди, хаёлига ҳам келмайди; **ему и ~** у тушунмайди ҳам; унинг хаёлига ҳам келмайди.

НЕВЕДЕНИ/Е *с* билмаслик, хабарсизлик, бехабарлик, хабари йўқлик, ғафлат; **пребывать в ~и** бехабар бўлмоқ, бехабар қолмоқ; ✦ **в блаженном ~и** *ирон.* 1) қийинчилик кўрмасдан, роҳат-фароғатда; 2) бехабар (ғафлатда) қолиб.

НЕВЕДОМО *нареч. разг.* қандайдир, номаълум; **~ кто** қандайдир (номаълум бир) киши; аллаким; **~ откуда** аллақаёқдан, аллақайдан

НЕВЕДОМ/ЫЙ, **-ая**, **-ое** 1 номаълум, нотаниш, аллақандай; **~ый край** номаълум (нотаниш) ўлка; 2 сирли, тушуниб бўлмайдиган; **~ая сила** сирли куч.

НЕВЕЖА *м* и *ж* 1 тарбиясиз (тарбия кўрмаган, қўпол) одам; беадаб; 2 *разг. уст. то же, что* **невежда**.

НЕВЕЖДА *м* и *ж* 1 ўқимаган (оми) одам; нодон, жоҳил; 2 *в чём* билимсиз, бирор соҳадан хабарсиз (билмайдиган, тушунмайдиган) одам; **полный ~ в музыке** мусиқадан мутлақо хабарсиз (музикани мутлақо тушунмайдиган) одам.

НЕВЕЖЕСТВЕННЫЙ, **-ая**, **-ое** 1 нодон, жоҳил, ўқимаган, қолоқ ҳолатда қолган, оми; **~ человек** нодон (жоҳил) одам; 2 *в чём* билимсиз, бирор соҳадан хабарсиз, билмайдиган, тушунмайдиган; **человек, ~ в технике** техникадан хабарсиз (техникани билмайдиган, тушунмайдиган) одам; 3 нодонликдан келиб чиқадиган, нодонликдан иборат, нодонларча, жоҳилона; **~ вопрос** нодонларча савол.

НЕВЕЖЕСТВО *с* 1 *разг.* нодонлик, билимсизлик; жаҳолат, зулмат; **обнаружить своё ~** *в чём-л.* бирор соҳада ўзининг билимсизлигини кўрсатиб қўймоқ; 2 беадаблик, беҳурматлик; беадаб хатти-ҳаракат.

НЕВЕЖЛИВЫЙ, **-ая**, **-ое** 1 қўпол муомала, назокатсиз, қўпол, тўнг, дағал, қўрс; **~ человек** қўрс одам; 2 беҳурматликни билдирадиган (ифодалайдиган), қўрс, тўрс, қўпол; **~ ответ** қўпол (қўрс) жавоб.

НЕВЕЗЕНИЕ *с разг.* ҳеч иши ўнгидан келмаслик, сира омади юришмаслик, омадсизлик, доим муваффақиятсизликка учраш.

НЕВЕЗУЧИЙ, **-ая**, **-ее** *разг.* ҳеч иши юришмайдиган, омади йўқ, толеи паст, сира омади келмайдиган.

НЕВЕЛИК/ИЙ, **-ая**, **-ое** 1 унча катта эмас, кичкина; **он ~ ростом** унинг бўйи унча баланд эмас, унинг бўйи паст; 2 унча аҳамияти йўқ, анчаки, андак, озгина; **~á беда!** ҳечқиси йўқ!, зарари йўқ!, ҳеч гап эмас!

НЕВЕЛИЧКА *м* и *ж нар.-поэт.* кичкинагина нарса, жимит, митти; **птичка-~** кичкинагина қушча, синчалак, жимит қуш.

НЕВЕРИЕ *с* 1 ишонмаслик, бовар қилмаслик; умидсизлик; **~ в собственные силы** ўз кучига ишонмаслик; 2 худога ишонмаслик, худосизлик, даҳрийлик.

НЕВЕРНОСТЬ *ж* 1 *см.* **неверный** 1—3, 6, 7; **~ предположений** тахминнинг нотўғрилиги; 2 бевафолик, вафосизлик, хиёнат; **супружеская ~** эр-хотиннинг бир-бирига хиёнати.

НЕВЕРН/ЫЙ, **-ая**, **-ое**; **-рен**, **-рна**, **-рно** 1 нотўғри, хато, янглиш, ғалат; ёлғон; **~ый вывод** нотўғри хулоса; **~ая мысль** нотўғри фикр; **~ые расчёты** хато ҳисоблар; **~ая нота** ғалат (нотўғри олинган) нота; **~ые слухи** ёлғон овозалар; **~ый глаз** нотўғри (кўрадиган) кўз; 2 вафосиз, бевафо; **~ая жена** бевафо хотин; 3 сўзида (ваъдасида) турмайдиган, субути йўқ, садоқатсиз, содиқ эмас, мунофиқ; **~ый союзник** мунофиқ иттифоқчи; 4 бўш, бўшашган, лалайган, ўзига ишонмайдиган; **~ая походка** бўшашиб (лалайиб) юриш; 5 хира, милтиллаган (ёруғлик, нур ҳақида); **~ый свет** хира нур (ёғду); 6 *уст.* ишониб бўлмайдиган, бўш, нобоп, ёмон, мўрт, **~ый лёд** нобоп (синиши мумкин бўлган) муз; 7 *перен.* ўзгарувчан, беқарор, буқаламун; **~ая судьба** беқарор тақдир; 8 *в знач. сущ.* **~ый** *м*, **~ая** *ж уст.* ғайридин; ✦ **Фома ~ый** ҳеч кимга (ҳеч нарсага) ишонмайдиган одам.

НЕВЕРОЯТИ/Е *с то же, что* **невероятность**; ✦ **до ~я** *то же, что* **до невероятности**.

НЕВЕРОЯТНОСТ/Ь *ж* 1 бўлиши мумкин эмаслик, ҳақиқатга (ақлга) тўғри келмаслик, ақлдан ташқарилик, эҳтимолдан узоқлик; **~ь сообщений** хабарларнинг ақлдан ташқарилиги; 2 эҳтимолдан узоқ (ақлга тўғри келмайдиган) нарса (гап, иш, ҳодиса ва ҳ. к.); **наговорить ~ей** ақлга тўғри келмайдиган гаплар гапирмоқ; ✦ **до ~и** ақлга сиғмайдиган даражада, ғоят, жуда ҳам, ниҳоятда, ҳаддан ташқари; **устал до ~и** жуда ҳам чарчадим.

НЕВЕРОЯТНЫ/Й, **-ая**, **-ое**; **-тен**, **-тна** 1 ақлга (ҳақиқатга) тўғри келмайдиган, мумкин бўлмаган, эҳтимолдан узоқ, маҳол; **~е слухи** ақлга тўғри келмайдиган (ишониб бўлмайдиган) миш-миш гаплар; 2 фавқулодда, ҳаддан ташқари, жуда зўр; **~й успех книги** китобнинг фавқулодда муваффақияти.

НЕВЕРУЮЩИЙ, **-ая**, **-ее** динга (худога) ишонмайдиган, динсиз, даҳрий.

НЕВЕСЕЛО *нареч.* 1 кўнгилсиз, чеҳра (кўнгил, баҳридили) очилмай, нохуш, ғамгин; **~ прошло время на вечере** кечада вақт кўнгилсиз ўтди (унча хурсандчилик билан ўтмади); 2 *безл. в знач. сказ. кому* хурсандчилик қилай деб тургани йўқ, хурсандчилик қиладиган ҳоли йўқ, аҳволи оғир, мушкул; **ему ~** унинг хурсандчилик қиладиган аҳволи йўқ; унинг аҳволи оғир (мушкул).

НЕВЕСЁЛ/ЫЙ, **-ая**, **-ое** 1 хушчақчақ эмас, сира қовоғи (чеҳраси) очилмайдиган, доим хафа, зиқ, дилгир, ғамгин, маҳзун; **~ый человек** сира қовоғи (чеҳраси) очилмайдиган одам; **~ое лицо** ғамгин (маҳзун) чеҳра; 2 кўнгилсиз, нохуш, одамни хафа қиладиган, диққатни оширадиган, диққатли, зиқ; **~ое дело** диққатли (зиқ) иш.

НЕВЕСОМОСТ/Ь *ж* вазнсизлик; **состояние ~и** вазнсизлик ҳолати.

НЕВЕСОМЫ/Й, **-ая**, **-ое** 1 вазнсиз, вазни (салмоғи, оғирлиги) йўқ, қушдай енгил; **~е осенние листья** қушдай енгил кузги барглар; **~е облака** вазнсиз булутлар; 2 *перен.* унча аҳамияти йўқ, асоссиз, аҳамиятсиз, пуч; **~е доводы** аҳамиятсиз (пуч) далиллар.

НЕВЕСТА *ж* 1 унашиб қўйилган қиз (аёл), қаллиқ; **жених и ~ куёв ва қиз**; **2 бўйи етган қиз**.

www.ziyouz.com kutubxonasi

НЕВЕ́СТКА *ж, р. мн.* **-ток** 1 келин; 2 келинойи, янга.

НЕВЕ́СТЬ *наречь. прост.* номаълум, ким билсин, ким билади (дейсиз), билиб бўлмайди; ~ **отку́да** ким билсин қаердан, қаердандир; ~ **кто** кимлигини ким билади дейсиз; аллаким.

НЕВЗВИ́ДЕТЬ *сов.:* ~ **све́та** (или **дня**) кўзига ҳеч нарса кўринмай қолмоқ (оғриқ, даҳшат, ғазаб ва ш. к. дан).

НЕВЗГО́ДЫ *мн. (ед.* **невзго́да** *ж)* бахтсизликлар, қийинчиликлар, оғирчиликлар, вазминчиликлар; мусибатлар; кулфатлар, азоб-уқубатлар; **душе́вные** ~ руҳий азоб-уқубатлар.

НЕВЗИРА́Я *предлог с вин.* қарамасдан, ҳисоблашмасдан, юз-хотир қилмасдан; ~ **на тру́дности** қийинчиликларга қарамасдан; **критикова́ть** ~**на ли́ца** юз-хотир қилмай танқид қилмоқ.

НЕВЗЛЮБИ́/ТЬ, -юблю́, -ю́бишь *сов. кого-что* ёмон кўриб қолмоқ; **я его́ сра́зу** ~**ла** мен уни бошданоқ ёмон кўриб қолдим.

НЕВЗНАЧА́Й *нареч. разг.* беҳосдан, билмасдан, тасодифан, иттифоқо, ўйламаганда, кутмаганда; **толкну́ть** ~ беҳосдан (билмасдан) туртиб юбормоқ.

НЕВЗРА́ЧН/ЫЙ, -ая, -ое; -чен, -чна кўримсиз, ёқимсиз, хунук, совуқ; кўрки (файзи) йўқ; ~**ая нару́жность** кўримсиз қиёфа.

НЕВЗЫСКА́ТЕЛЬНЫ/Й, -ая, -ое; -лен, -льна қаноатли, борига қаноат қиладиган, танламайдиган, унча талабчан бўлмаган; ~**й челове́к** борига қаноат қиладиган (кўнадиган) одам; ~**й вкус** унча талабчан (юқори) бўлмаган дид, паст дид; **[Му́лы] хорошо́ хо́дят в гора́х и** ~ **на корм** (Арсеньев) [Хачирлар] тоғда яхши юради ва озуқа танламайди.

НЕ́ВИДАЛЬ *ж разг.* ҳеч кўрилмаган (ғалати) нарса, ажойиб, нодир нарса; ✦ **вот** ~**; что за** ~**; кака́я (э́кая, э́ка)** ~ энди кўрибмизми!; кўрмаганмидик!; сира кўрилмаган нарсамиди!

НЕВИДА́ЛЬЩИНА *ж разг. уст. то же, что* **не́видаль.**

НЕВИ́ДАННЫЙ, -ая, -ое 1 мислсиз, мисли йўқ, мисли кўрилмаган; ~ **успе́х** мисли кўрилмаган муваффақият; 2 ғалати, ажойиб, ғаройиб, ажиб, сирли.

НЕВИДИ́МКА *ж, р. мн.* **-мок** 1 кўринмас (кўзга кўринмайдиган) махлуқ, одам; **челове́к-**~ кўринмас одам; 2 невидимка (ингичка шпилька); ✦ **ша́пка-**~ *фольк.* сеҳрли қалпоқ (кийган кишини кўзга кўринмайдиган қилиб қўядиган қалпоқ).

НЕВИ́ДИМ/ЫЙ, -ая, -ое кўринмайдиган, билинмайдиган, кўринмас; ~**ый шов** кўринмайдиган чоқ; ~**ая сторона́ Луны** Ойнинг кўринмайдиган томони.

НЕВИ́ДН/ЫЙ, -ая, -ое; -ден, -дна 1 кўринмайдиган, кўзга чалинмайдиган, кўринмас; 2 *разг.* арзимаган, аҳамиятсиз, кичкина, анчайин, ~**ая до́лжность** арзимаган (кичкина) лавозим; 3 *разг.* кўримсиз, хунук, савлати йўқ; ~**ая вне́шность** кўримсиз қиёфа.

НЕВИ́ДЯЩИ/Й, -ая, -ее 1 кўрмайдиган, ожиз, кўр, сўқир; ~**е глаза́** ожиз (ёки сўқир) кўзлар; 2 ҳеч нарса кўрмайдиган, пайқамайдиган, сезмайдиган; паришон; ~**й взгляд** паришон қараш.

НЕВИ́ННОСТЬ *ж* 1 айбсизлик, гуноҳсизлик, маъсумлик, бегуноҳлик, оқлик; **доказа́ть** ~ **подсуди́мого** судланувчининг айбсиз эканлигини исботламоқ; 2 соддалик, соддадиллик, софдиллик; ~ **ребёнка** боланинг соддалиги; 3 қизлик, бокиралик, покдомонлик, маъсумлик; иффат.

НЕВИ́ННЫЙ, -ая, -ое; -нен, -нна 1 беайб, бегуноҳ, айбсиз, гуноҳсиз; айби, гуноҳи йўқ, оқ; ~**ая же́ртва** бегуноҳ қурбон; 2 содда, софдил, соддадил; ~**ый ребёнок** соддадил бола; 3 зарарсиз, айб саналмайдиган; ~**ая ша́лость** зарарсиз шўхлик; 4 иффатли, покдомон, маъсума, бокира.

НЕВИНО́ВНОСТЬ *ж* айби (гуноҳи) йўқлик, жиноятдан холилик, оқлик; ~ **подсуди́мого** судланувчининг оқлиги.

НЕВИНО́ВНЫЙ, -ая, -ое; -вен, -вна айбсиз, гуноҳсиз, бегуноҳ, оқ, жинояти йўқ.

НЕВМЕНЯЕМОСТ/Ь *ж* шуурсизлик; **состоя́ние** ~**и** шуурсизлик ҳолати, ғайришуур ҳолат; киши ўзини (нима қилаётганини) билмайдиган ҳолат.

НЕВМЕНЯЕМ/ЫЙ, -ая, -ое 1 шуурсиз, ўзини (нима қилаётганини) билмай қолган, ғайришуурий ҳолатдаги; **он в** ~**ом состоя́нии** у шуурсиз (ғайришуурий) ҳолатда; 2 ғайришуурий ҳолатда қилинган, ғайришуурий, ихтиёрсиз; ~**ый посту́пок** ғайришуурий ҳаракат.

НЕВМЕША́ТЕЛЬСТВ/О *с* аралашмаслик; **поли́тика** ~**а** аралашмаслик сиёсати.

НЕВМОГО́ТУ *нареч. в знач. сказ. разг.* бошқа чидаб (тоқат қилиб) бўлмайди, тоқат қолмади, тоқат тоқ бўлди; **ждать** ~ кутишга тоқат қолмади.

НЕВНИМА́НИЕ *с* 1 диққатсизлик, эътиборсизлик, бепарволик, паришонлик; 2 илтифотсизлик, ҳурматсизлик, назар-писанд қилмаслик.

НЕВНИМА́ТЕЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое; -лен, -льна 1 диққат-эътиборсиз, бепарво, хаёли сочилган, паришонхотир, хотири паришон; ~**ый учени́к** бепарво ўқувчи; 2 илтифотсиз; назар-писанд қилмайдиган, менсимасдан (назари илмасдан) қилинган; ~**ое обраще́ние** менсимай (эътибор бермай) муомала қилиш, назари илмай гапириш, илтифотсиз муомала.

НЕВНЯТН/ЫЙ, -ая, -ое; -тен, -тна ноаниқ, тушуниб (англаб) бўлмайдиган; аниқ (очиқ) эшитилмайдиган; ~**ая речь** тушуниб (англаб) бўлмайдиган гап; ~**ые голоса́** ноаниқ (яхши, аниқ, очиқ эшитилмайдиган) товушлар, ғўнғир-ғўнғирлар.

НЕ́ВОД *м, мн.* **-а́** ёйма тўр (балиқ овланадиган катта тўр).

НЕВОЗБРА́ННЫЙ, -ая, -ое; -а́нен, -а́нна *уст.* тақиқланмаган, очиқ, бемалол; ~ **до́ступ** *куда-л.* кириш бемалол (тақиқланмаган).

НЕВОЗВРАТИ́МЫЙ, -ая, -ое *то же, что* **невозвра́тный.**

НЕВОЗВРА́ТН/ЫЙ, -ая, -ое; -тен, -тна қайтмайдиган, такрорланмайдиган, тикланмайдиган; қайтиб келмайдиган, қайтариб (тиклаб) бўлмайдиган; ~**ое вре́мя** қайтмайдиган (қайтариб бўлмайдиган) вақт

НЕВОЗДЕ́ЛАНН/ЫЙ, -ая, -ое ишланмаган (ҳайдалмаган, чопилмаган); экин экилмаган, экилмай ётган; ~**ое по́ле** ишланмаган ер майдони.

НЕВОЗДЕ́РЖАНИЕ *с* ўзини (нафсини) тия олмаслик, баднафслик, нафси бузуқлик, маишатпарастлик; ~ **в пи́ще** овқатдан ўзини тия олмаслик, овқатни кўп ея вериш.

НЕВОЗДЕ́РЖАННОСТЬ *ж* 1 ўзини (нафсини) тия олмаслик, баднафслик, нафси бузуқлик, ўчлик; ~ **к кре́пким напи́ткам** ўткир ичимликларга ўчлик; 2 эҳтиётсизлик.

НЕВОЗДЕ́РЖАНН/ЫЙ, -ая, -ое 1 ўзини (нафсини) тия олмайдиган, баднафс, нафси бузуқ; айш-ишратдаги; ~**ый челове́к** баднафс одам; ~**ая жизнь** айш-ишратдаги ҳаёт; 2 эҳтиётсиз; ~**ый на язы́к** тилини тия олмайдиган, оғзига кучи етмайдиган, гапда эҳтиётсиз.

НЕВОЗМО́ЖНО *безл. в знач. сказ.* имкони (иложи, имконияти) йўқ, мумкин эмас, бўлмайди, маҳол; э́то ~ бунинг имкони (иложи) йўқ; бу **мумкин эмас**; буни (бундай) қилиб бўлмайди; **жить без це́ли** ~ мақсадсиз яшаб бўлмайди.

НЕВОЗМО́ЖНОСТ/Ь *ж* имкони (иложи, имконияти) йўқлик, мумкин эмаслик, имкондан ташқарилик, билиб бўлмаслик; **убеди́ть в** ~**и** *чего-л.* бирор нарсанинг (ишнинг ва ҳ. к.) мумкин эмаслигига ишонтирмоқ; ~**ь примене́ния сло́жной сельскохозя́йственной те́хники на ма́лых площадя́х** кичик майдонларда мураккаб қишлоқ хўжалик техникасидан фойдаланиб бўлмаслиги; ✦ **до** ~**и** ғоят, ниҳоятда, жуда ҳам, ортиқ даражада; **уста́л до** ~**и** ниҳоятда чарчадим.

НЕВОЗМО́ЖН/ЫЙ, -ая, -ое; -жен, -жна 1 маҳол, имконсиз, мумкин бўлмаган, имкони (иложи, имконияти) йўқ, имкондан ташқари, амалга ошмайдиган, қилиб бўлмайдиган; ~**ое де́ло** мумкин бўлмаган (амалга ошмайдиган) иш, маҳол иш; 2 *перен. разг.* чидаб (тоқат қилиб) бўлмайдиган; ортиқ даражадаги; оғир, қаттиқ, зўр; ~**ая духота́** чидаб бўлмайдиган димлик; ~**ый хара́ктер** оғир характер; 3 йўл қўйиб (рухсат этиб) бўлмайдиган, ножўя, ножоиз, чакки; хунук; ~**ый вид** хунук (одобдан ташқари) қиёфа; 4 *в знач. сущ.* ~**ое** *с* мумкин бўлмаган нарса (иш); **тре́бовать** ~**ого** мумкин бўлмаган нарсани талаб қилмоқ; **сде́лать** ~**ое воз-**

www.ziyouz.com kutubxonasi

мóжным мумкин бўлмаган нарсани (ишни) мумкин (амалга оширса бўладиган) қилмоқ, бўлмайдиганни бўлдирмоқ.

НЕВОЗМУТИМ/ЫЙ, -ая, -ое 1 оғир, вазмин, юраги кенг, сира ҳовриқмайдиган, динагини бузмайдиган, унчамунчани эламайдиган, тепса-тебранмас; **~ый человéк** оғир (вазмин) одам, юраги кенг одам; 2 тинч, осойишта, хотиржам; **~ое лицó** хотиржам кўриниш; **~ый тон** осойишта оҳанг; 3 бузиб бўлмайдиган, мутлақ, тўла; **~ая тишинá** мутлақ тинчлик, сув қуйгандай жимжитлик.

НЕВОЗНАГРАДИМ/ЫЙ, -ая, -ое 1 беҳад қимматли, бебаҳо, жуда катта (улуғ); **~ая услýга** жуда катта (ҳеч нарса билан қайтариб бўлмайдиган) хизмат; 2 ўрнини қоплаб бўлмайдиган, ўрни тўлмайдиган, тўғрилаб (тузатиб) бўлмайдиган; **~ая потéря** ўрнини тўлдириб бўлмайдиган зарар (талафот, йўқотиқ).

НЕВОЛИ́/ТЬ *несов. кого разг.* зўрламоқ, мажбур этмоқ, хоҳишига қарши иш қилмоқ; **вас никтó не ~т, мóжете идти́** сизни ҳеч ким мажбур қилаётгани йўқ, кетсангиз кетаверинг.

НЕВО́ЛЬНИК *м* 1 қул; 2 *уст.* асир, маҳбус, тутқун, банди; 3 *перен. чего* бирор нарсага берилган одам, бирор нарсанинг қули (бандаси); **~ страстéй** нафс бандаси, нафсга (ҳирсга) берилган одам.

НЕВО́ЛЬНИЦА *ж см.* **невóльник.**

НЕВОЛЬНИЧЕСК/ИЙ, -ая, -ое қулларга, асирларга оид; қулликдаги, асирликдаги; **~ая жизнь** қулликдаги (асирликдаги) ҳаёт.

НЕВОЛЬНИ́ЧИЙ, -ья, -ье қулга (бандига, асирга) оид; қул...; банди..., асир...; **~ труд** қул меҳнати.

НЕВО́ЛЬНО *нареч.* ғайриихтиёрий равишда, беихтиёр, билмасдан; истар-истамас, ноилож; **~ засмея́ться** беихтиёр кулиб юбормоқ; **~ согласи́ться** ноилож рози бўлмоқ.

НЕВО́ЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое; -лен, -льна 1 беҳосдан (билмасдан) қилинган, тасодифий; **~ая оби́да** билмасдан хафа қилиб қўйиш; 2 ғайриихтиёрий, беихтиёр; **~ая улы́бка** ғайриихтиёрий табассум; 3 мажбурий, мажбурият орқасида (ноилождан) қилинган; **~ая поса́дка самолёта** самолётнинг мажбурий равишда қўниши; 4 эрки ўзида бўлмаган, тутқунликдаги; **Я невóлен, как на прúвязи соба́ка** (Пушкин) Мен, занжирдаги ит янглиғ тутқунликдаман.

НЕВО́Л/Я *ж* тутқунликдаги ҳаёт, тутқунлик, эрксизлик, қуллик, асирлик, асорат; **жить в ~е** тутқунликда (асоратда) яшамоқ; 2 *прост.* зарурат, мажбурият, эҳтиёж; **охóта пу́ще ~и** *погов.* истак ҳар қандай мажбуриятдан зўр.

НЕВООБРАЗИ́МЫЙ, -ая, -ое тасаввур қилиб бўлмайдиган, фавқулодда, ҳаддан ташқари; **~ беспоря́док** тасаввур қилиб бўлмайдиган тартибсизлик; **~ шум** ҳаддан ташқари шовқин.

НЕВООРУЖЁННЫ/Й, -ая, -ое қуролланмаган, қуролсиз, қурол-яроғсиз; **~е лю́ди** қуролланмаган (яроғсиз) кишилар; ✦ **~м гла́зом** оддий кўз билан (дурбинсиз-бошқасиз).

НЕВОСПИ́ТАННОСТ/Ь *ж* тарбия кўрмаганлик, тарбиясизлик, беадаблик; **Брань ва́ша... свиде́тельствует о ва́шей ~и** (А. Островский) Сизнинг пештаҳамлигингиз тарбиясизлигингиздан далолат беради.

НЕВОСПИ́ТАННЫЙ, ая, -ое тарбия кўрмаган, тарбиясиз, беадаб; **~ челове́к** тарбиясиз (беадаб) одам.

НЕВОСПОЛНИМ/ЫЙ, -ая, -ое ўрнини тўлдириб (қоплаб) бўлмайдиган; **~ая потéря** ўрнини қоплаб бўлмайдиган зарар (йўқотиқ, талафот).

НЕВОСПРИИ́МЧИВОСТЬ *ж* 1 уқувсизлик, зеҳни пастлик; 2 *мед. биол.* касал юқтирмаслик, касалдан қўрқмаслик; **~ к ко́ри** қизамиқни юқтирмаслик, қизамиқдан қўрқмаслик.

НЕВОСПРИИ́МЧИВЫЙ, -ая, -ое 1 уқувсиз, зеҳни паст; **~ учéник** зеҳни паст ўқувчи; 2 *мед. биол.* касал юқтирмайдиган организм.

НЕВОСТРЕБОВА́ННЫЙ, -ая, -ое талаб қилиб (сўраб келиб) олинмаган, олинмай ётган, олинмай қолиб кетган; **~ бага́ж** талаб қилиб олинмай ётган багаж.

НЕВПОПА́Д *нареч. разг.* ўринсиз, бемаврид, пойинтар-сойинтар; бири боғдан, бири тоғдан; **ответи́ть ~** пойинтар-сойинтар жавоб бермоқ.

НЕВПРОВОРО́Т *нареч. прост.* жуда кўп, ниҳоятда кўп, ҳаддан зиёд; **рабóты ~** иш жуда кўп; иш бошдан ошиб (тиқилиб) ётибди.

НЕВРАЗУМИТЕЛЬНЫЙ, -ая, -ое; -лен, -льна англаб (тушуниб) бўлмайдиган, ноаниқ; муҳмал, дудмол; **~ ответ** тушуниб бўлмайдиган жавоб; муҳмал жавоб.

НЕВРА́ЛГИЧЕСКИ/Й, -ая, -ое невралгияга оид, невралгия туфайли бўлган, невралгик; невралгия...; **~е бóли** невралгик оғриқлар.

НЕВРА́ЛГИЯ *ж мед.* невралгия (асаб системасининг бирор ери касалланиши ёки яллиғланиши натижасида пайдо бўладиган оғриқ).

НЕВРАСТЕ́НИК *м* неврастеник (неврастения касалига чалинган киши).

НЕВРАСТЕНИЧЕСК/ИЙ, -ая, -ое неврастенияга ва неврастеникка оид, хос; неврастеник; неврастения...; **~ое состоя́ние** неврастеник ҳолат; **~ие симпто́мы** неврастения аломатлари.

НЕВРАСТЕНИ́ЧКА *ж, р. мн.* **-чек** *см.* **неврасте́ник.**

НЕВРАСТЕНИ́ЧНЫЙ, -ая, -ое; -чен, -чна 1 неврастеникларда бўладиган, неврастеникларга хос; **~ вид** неврастеникларга хос кўриниш; 2 неврастения касалига чалинган; **~ челове́к** неврастеник одам, неврастеник.

НЕВРАСТЕ́НИЯ *ж мед.* неврастения (тез чарчаш, озиб кетиш, жиззакилик ва бош оғриғи билан характерланадиган асабий касаллик).

НЕВРЕДИ́М/ЫЙ, -ая, -ое зарар (шикаст) топмаган, эсон-омон, соғ-саломат, зиён-захматсиз, шикастсиз, бешикаст; **оста́ться ~ым** соғ-саломат қолмоқ; эсон-омон қутулмоқ; **верну́лся цел и ~** эсон-омон қайтиб келди.

НЕВРИ́Т *м мед.* неврит (нервларнинг баъзи касалликлар оқибатида ёки шикастланиш, заҳарланиш, шамоллаш натижасида яллиғланиши).

НЕВРО́З *м мед.* невроз (марказий нерв системасининг бузилиши натижасида юзага келадиган ва ички органлар фаолиятини сусайтирадиган касаллик); **о́бщий ~** умумий невроз; **~ се́рдца** юрак неврози.

НЕВРО́ЛОГ *м* невролог, неврология мутахассиси.

НЕВРОЛОГИ́ЧЕСК/ИЙ, -ая, -ое неврологияга оид, неврологик; неврология...; **~ая кли́ника** неврологик клиника, неврология клиникаси.

НЕВРОЛО́ГИЯ *ж* неврология (нерв системаси ва унинг фаолиятини ўрганадиган фан).

НЕВРОПАТО́ЛОГ *м* невропатолог, невропатология мутахассиси.

НЕВРОПАТОЛОГИ́ЧЕСКИЙ, -ая, -ое невропатологияга оид, невропатологик, невропатология...

НЕВРОПАТОЛО́ГИЯ *ж* невропатология (нерв системаси касалликлари ҳақида таълимот).

НЕВРОТИ́ЧЕСК/ИЙ, -ая, -ое неврозга оид; невротик, невроз...; **~ое состоя́ние** невротик ҳолат; **~ие симпто́мы** невроз аломатлари.

НЕВТЕРПЁЖ *нареч. в знач. сказ. прост.* 1 тоқати тоқ бўлди, чидай олмай қолди, сабр (тоқат) қолмади; **~ ждать** кутишга тоқат қолмади; кутавериб тоқати(м) тоқ бўлди; 2 сабри чидамади; **ему́ ста́ло ~** унинг сабри чидамади.

НЕВЫГО́ДНО 1 *нареч.* фойдани кўзламай, фойда олмай (кўрмай, қилмай); ўз нархига, танига (ёки зарарига); 2 *в знач. сказ.* фойдаси йўқ, фойда келтирмайди; **храни́ть де́ньги до́ма ~** пулни уйда сақлаш фойда келтирмайди; 3 *в знач. сказ.* фойдаси (нафи, афзаллиги) йўқ, ҳеч нарса (ютуқ) бермайди; **мне э́то ~** бунинг менга фойдаси йўқ; бу менга ҳеч нарса бермайди.

НЕВЫГО́ДН/ЫЙ, -ая, -ое; -ден, -дна 1 фойдасиз, бефойда, фойда (наф) келтирмайдиган, фойда (чўт) бермайдиган, фойдаси (нафи, манфаати) йўқ; **~ая сде́лка** бефойда битим; 2 ноқулай, номувофиқ, афзаллиги йўқ; **~ое расположе́ние войск** қўшинларнинг ноқулай жойланиши; **~ые усло́вия** номувофиқ шароитлар; 3 хунук, кўримсиз, ёмон; **~ая вне́шность** хунук (кўримсиз) қиёфа; **показа́ть себя́ с ~ой стороны́** ўзини ёмон томондан кўрсатмоқ.

НЕВЫДЕРЖА́НН/ЫЙ, -ая, -ое 1 изчилликка риоя қилинмаган, изчиллиги йўқ, изчил эмас, нотекис, тартиб-қоидасиз; **~ое изложе́ние** изчиллиги йўқ баён; 2 ўзини тута

www.ziyouz.com kutubxonasi

олмайдиган, тез, бесабр, сабрсиз, енгил, чакки; **~ое поведе́ние** енгил хулқ-атвор, енгиллик; **~ый челове́к** ўзини тута олмайдиган (тез) одам; 3 чала, етилмаган, чиниқмаган, тайёр эмас; **~ое вино́** етилмаган вино.

НЕВЫЕЗД *м офиц.* ҳеч қаёққа (чиқиб) кетмаслик, ҳамиша бир жойда яшаш (туриш), муқимлик; **подпи́ска о ~е** ҳеч қаёққа (чиқиб) кетмаслик тўғрисида тилхат.

НЕВЫЛАЗН/ЫЙ, -ая, -ое 1 ўтиб (чиқиб) бўлмайдиган, тизза бўйи; **~ая грязь** ўтиб (чиқиб) бўлмайдиган лой, тизза бўйи лой; 2 қутулиб бўлмайдиган; **~ые долги́** қутулиб бўлмайдиган қарзлар.

НЕВЫНОСИ́М/ЫЙ, -ая, -ое чидаб (тоқат қилиб) бўлмайдиган, жуда ёмон, жуда оғир; **~ая боль** чидаб бўлмайдиган оғриқ; **у него́ ~ый хара́ктер** унинг характери жуда ёмон (оғир); **~ый челове́к** бадҳазм одам.

НЕВЫПЛАКАНН/ЫЙ, -ая, -ое 1 тўкилмаган, йиғлаб-йиғлаб одоқ бўлмаган; **~ые слёзы** тўкилмаган (йиғлаб-йиғлаб одоқ бўлмаган) ёшлар; 2 йиғлаб-йиғлаб кўнгилдан чиқарилмаган, йиғлай-йиғлай унутилмаган, ёзилмаган, юракда қолган; **~ое го́ре** йиғлай-йиғлай кўнгилдан чиқарилмаган (юракда қолган) дард-алам.

НЕВЫПОЛНЕ́НИЕ *с* бажармаслик, бажарилмаслик, бажарилмай қолиш; **~ пла́на** планни бажармаслик; планнинг бажарилмай қолиши.

НЕВЫРАЗИ́М/ЫЙ, -ая, -ое таърифлаб (тавсифлаб, тушунтириб, айтиб) бўлмайдиган, таърифга сиғмайдиган; таърифдан ташқари; **~ая ра́дость** айтиб (таърифлаб) бўлмайдиган хурсандлик, жуда катта хурсандлик; **~ый у́жас** айтиб бўлмайдиган даҳшат; **~ая краснота́** таърифга сиғмайдиган (таърифга тиллар ожиз) гўзаллик.

НЕВЫРАЗИТЕЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое; -лен, -льна ифодасиз, таъсирсиз; ҳеч нарса англатмайдиган, маъносиз, жонсиз; **~ое чте́ние** ифодасиз ўқиш; **~ые глаза́** маъносиз кўзлар.

НЕВЫСО́К/ИЙ, -ая, -ое 1 унча баланд бўлмаган, паст, пастак, пастроқ; **челове́к ~ого ро́ста** бўйи унча баланд бўлмаган одам, бўйи пастроқ одам; **~ая и́згородь** пастак тўсиқ; **~ий потоло́к** паст шип; 2 унча баланд (юқори, катта) бўлмаган, паст, пастроқ; **~ая температу́ра** унча юқори бўлмаган температура, пастроқ температура; 3 унча яхши (юқори) эмас, пастроқ, жўнроқ, **чай ~ого ка́чества** сифати унча яхши бўлмаган чой; **в шко́ле ~ая успева́емость** мактабда ўзлаштириш унча юқори эмас; 4 унча катта (юқори, баланд) бўлмаган, қуйироқ, пастроқ, анчаки; **~ая до́лжность** пастроқ (анчаки) лавозим; 5 пастроқ, ўртача (товуш, овоз ҳақида); **~ий го́лос** пастроқ овоз; 6 унча яхши (ижобий) бўлмаган, паст, салбий; **~ая оце́нка** паст (салбий) баҳо.

НЕВЫХОД *м* 1 чиқмаслик, келмаслик; чиқмай (келмай) қолиш; **~ на рабо́ту** ишга чиқмаслик; ишга чиқмай (келмай) қолиш; 2 нашр этилмаслик, чиқмаслик; нашр этилмай (чиқмай) қолиш; **~ воскре́сного но́мера газе́ты** газетанинг якшанбалик сонининг чиқмай қолиши.

НЕГ/А *ж* 1 ҳузур-ҳаловат, роҳат, фароғат, фаровонлик; **жить в ~е** роҳат-фароғатда яшамоқ; 2 ҳузур, роҳат, ором, маза, гашт; **предава́ться ~е** ҳузур (маза) қилиб ётмоқ, гаштини сурмоқ; 3 ноз, нозлик, эркалик, ишва, адо, навозиш; **В его́ глаза́х блести́т любо́вь, В его́ рече́х така́я ~а!** (Пушкин) Унинг кўзларида муҳаббат чақнайди, Унинг сўзларида шунчалар адо!

НЕГАДАНН/ЫЙ, -ая, -ое *разг.* кутилмаган, тўсатдан (қўққисдан, кутилмаганда) рўй берган (келиб қолган ва ҳ. к.); **яви́лся гость ~ый** кутилмаган(да) меҳмон келиб қолди; **случи́лось ~ое** кутилмаган иш рўй (юз) берди.

НЕГАСИ́М/ЫЙ, -ая, -ое 1 *уст. и высок.* ўчмайдиган, ўчмас, доимо порлаб турадиган; **~ый свет** ўчмас нур; 2 *перен. высок.* сўнмас, ўлмас, унутилмас, тобора кучаядиган, кучини (аҳамиятини) йўқотмайдиган; **~ая любо́вь** сўнмас муҳаббат.

НЕГАТИ́В *м фото* негатив.

НЕГАТИ́ВН/ЫЙ I, -ая, -ое негативга оид; негативдан иборат бўлган; негатив...; **~ое стекло́** негатив шиша; **~ое изображе́ние** негатив тасвир.

НЕГАТИ́ВН/ЫЙ II, -ая, -ое; -вен, -вна салбий; манфий; **~ый отве́т** салбий жавоб; **~ое отноше́ние** *к чему-л.* салбий муносабат.

НЕГАШЁН/ЫЙ: ~ая и́звесть сўндирилмаган (ўчирилмаган, очирилмаган) оҳак.

НЕ́ГДЕ *нареч.* 1 жой (ўрин) йўқ; **здесь ~ присе́сть** бу ерда ўтирадиган (ўтириш учун, ўтирай десанг) жой йўқ; 2 ҳеч қаердан, ҳеч ердан (жой, имкон, манба); **~ взять взаймы́** ҳеч ердан қарз олиб бўлмайди, қарз оладиган жой (манба) йўқ; 3 *уст.* қаердадир, қайдадир, аллақаерда, аллақайда.

НЕГИБКИ/Й, -ая, -ое; -бок, -бка 1 эгилмайдиган, букилмайдиган, эгилмас, букилмас; **~е ве́тви** эгилмайдиган шохлар; 2 *перен.* шароитга (муҳитга) тезда мослаша олмайдиган; шароитга қараб иш тута билмайдиган; **~й руководи́тель** шароитга тезда мослаша олмайдиган (шароитга қараб иш тута билмайдиган) раҳбар.

НЕГЛАСНЫ/Й, -ая, -ое; -сен, -сна 1 ноошкор, бекитиқча, яшириқча, киши билмас; **~е ссо́ры** киши билмас жанжаллар; 2 яширин, махфий; **~й надзо́р** махфий назорат.

НЕГЛИЖЕ́ *с нескл. уст.* 1 енгил уй кийими; 2 *в знач. нареч.* енгил уй кийимида, пала-партиш кийиниб, ярим яланғоч.

НЕГЛУБО́К/ИЙ, -ая, -ое 1 унча чуқур (теран) бўлмаган, пастроқ, саёзроқ, паст, саёз; **~ая я́ма** паст ўра; **~ая река́** саёз дарё; **~ий овра́г** унча чуқур бўлмаган жар; 2 унча чуқур (чуқурликда) бўлмаган, қилинмаган, юза; **~ая вспа́шка** ерни унча чуқур олмасдан (юза) ҳайдаш; 3 унча чуқурда жойлашмаган, чуқур кетмаган, юзароқ жойлашган, юза; **~ие ко́рни** унча чуқур кетмаган илдизлар; **у́голь ~ого залега́ния** юзароқ жойлашган кўмир; **у бе́рега реки́ ~ое дно** соҳил яқинида дарёнинг туби унча чуқур эмас; 4 унча чуқур (асосли, мазмунли, жиддий) эмас, саёз, юзаки, суюқ, сийқа; **~ие зна́ния** юзаки билимлар; **~ое произведе́ние** саёз (сийқа) асар; **~ие рассужде́ния** юзаки муҳокама (мулоҳаза); 5 калтафаҳм, калтабин; **~ая ли́чность** калтабин одам; 6 унча чуқур (мустаҳкам) бўлмаган, анчаки, шунчаки, юзаки; **~ая привя́занность** унча мустаҳкам бўлмаган муҳаббат; **~ий сон** юзаки уйқу.

НЕГЛУ́ПЫЙ, -ая, -ое 1 унчалик аҳмоқ (анойи) эмас; ақлли, эсли; ақли (эси) бор; **~ челове́к** эсли одам; 2 ақлли, яхши; **~ сове́т** ақлли маслаҳат, яхши маслаҳат.

НЕГО́ДНИК *м разг.* ярамас, ноқобил (асосан болаларга нисбатан ишлатилади).

НЕГО́ДНИЦА *ж см.* **него́дник.**

НЕГО́ДНОСТЬ *ж* яроқсизлик, ярамаслик; лаёқатсизлик, яроқсиз ҳол; **маши́ны, прише́дшие в ~** яроқсиз ҳолга келган машиналар; **~ к физи́ческому труду́** жисмоний меҳнатга яроқсизлик (лаёқатсизлик).

НЕГО́ДНЫ/Й, -ая, -ое; -ден, -дна 1 яроқсиз, лаёқатсиз, ишга ярамайдиган, ишдан чиққан; нобоп; **~е инструме́нты** ишдан чиққан асбоблар; **~й к строево́й слу́жбе** сафдаги хизматга яроқсиз (лаёқатсиз); 2 *разг.* ёмон, ярамас, ноқобил, бўлмағур; **~й челове́к** ярамас одам.

НЕГОДОВА́НИЕ *с* қаттиқ ғазаб, қаҳр-ғазаб, нафрат, аччиқ; **прийти́ в ~** қаттиқ ғазабланмоқ, ғазаби (ғазабга) келмоқ; **с ~м** қаттиқ ғазабга келиб, қаҳр-ғазаб билан.

НЕГОДОВА́ТЬ, -ду́ю, -ду́ешь *несов. на кого-что* и *против кого-чего* қаттиқ ғазабланмоқ, аччиқланмоқ; ғазаби (аччиғи) келмоқ.

НЕГОДУ́ЮЩ/ИЙ, -ая, -ее 1 *прич. от* **негодова́ть;** 2 *в знач. прил.* ғазабланган, аччиқланган, аччиғи (жаҳли) чиққан, ғазабга тўлган, ғазабли, дарғазаб; **~ая речь** ғазаб билан тўлган (ғазабли) нутқ; **~ий взгляд** дарғазаб қараш.

НЕГОДЯ́Й *м* разил (қабиҳ, паст) одам, ярамас, аблаҳ, нобакор.

НЕГОДЯ́ЙКА *ж, р. мн.* **-я́ек** *см.* **негодя́й.**

НЕГОДЯЩИЙ, -ая, -ее *прост. то же, что* **него́дный.**

НЕГО́ЖЕ *нареч. уст.* и *прост.* 1 *нареч.* ярамас ҳолда, яроқсиз ҳолга келиб; 2 *безл. в знач. сказ.* ярамайди, ишдан чиққан, яроқсиз; **на тебе́, бо́же, что нам ~** *погов.* бировга оширилаётган (итарилаётган) кераксиз нарса, кимса ҳақида айтиладиган матал; 3 *безл. в знач. сказ.* ярамайди, бўлмайди, яхши эмас, мумкин эмас; **~ оставля́ть в**

www.ziyouz.com kutubxonasi

беде́ спу́тника ҳамроҳни хатарда қолдириб кетиш ярамайди (яхши эмас).

НЕГОЖИЙ, -ая, -ее *уст. прост. то же, что* **него́дный.**

НЕГОЦИАНТ *м уст.* улғуржи савдогар (кўпинча чет эллар билан савдо қиладиган катта савдогарларга нисбатан ишлатилган).

НЕГР *м* негр, занжи, хабаш; *см.* **не́гры.**

НЕГРАМО́ТНОСТЬ *ж* 1 саводсизлик (ўқиш-ёзишни билмаслик); **ликвида́ция ~и** саводсизликни битириш; 2 *перен.* саводсизлик, билимсизлик, кўрлик; **полити́ческая ~ь** сиёсий кўрлик; **техни́ческая ~ь** техникадан билимсизлик (бехабарлик); 3 саводсизлик (билимсизлик асари); **~ь чертежа́** чизмадаги саводсизлик.

НЕГРАМО́ТНЫЙ, -ая, -ое; -тен, -тна 1 саводсиз, ўқиш-ёзишни билмайдиган, оми; **~ челове́к** саводсиз одам; 2 *перен.* билимсиз, саводсиз, кўр; **полити́чески ~** сиёсий кўр; **~ те́хник** саводсиз (билимсиз) техник; 3 *перен.* саводсизларча бажарилган, хато ёзилган (чизилган), билар-билмас қилинган, хатолари кўп, **~ чертёж** саводсизларча чизилган чизма.

НЕГРИТЕ́НОК *м, мн.* **-тя́та** негр бола, негр боласи.

НЕГРИТО́С *м* негритос; *см.* **негрито́сы.**

НЕГРИТО́СКА *ж, р. мн.* **-сок** негритоска, негритос аёл; *см.* **негрито́сы.**

НЕГРИТО́СЫ *мн.* (*ед.* **негрито́с** *м,* **негрито́ска** *ж*) *антроп.* негритослар (жанубий-шарқий Осиёнинг негроидлар ирқига мансуб бир неча этник группаларига кирадиган халқларнинг умумий номи).

НЕГРИ́ТЯНКА *ж, р. мн.* **-нок** негр аёл; *см.* **не́гры.**

НЕГРИТЯ́НСКИЙ, -ая, -ое негрларга оид; негр(лар)..., негрча; **~ та́нец** негрча рақс.

НЕГРОИД *м антроп.* негроид, негроидлар ирқига мансуб киши.

НЕГРОИДН/ЫЙ: ~ая ра́са негроид ирқ, негроидлар ирқи.

НЕГРЫ *мн.* (*ед.* **негр** *м,* **негрите́нка** *ж*) негрлар, занжилар, хабашлар (тропик Африканинг асосий аҳолисини ташкил этган қора танли халқлар).

НЕГУС *м* негус (Абиссиния императорларининг унвони).

НЕГУСТО *нареч.* 1 унча зич (қалин, қуюқ) қилмасдан, **сийрак (суюқ) қилиб, сийрак, суюқ; ~ посади́ть расса́ду капу́сты ка́рам** кўчатларини сийрак қилиб экмоқ; 2 *в знач. сказ. разг. то же, что* **небога́то; 2 с ры́бой в э́том о́зере ~** бу **ку́лда балиқ кўп** эмас, бу кўл балиққа бой эмас, бу **ку́лда балиқ оз.**

НЕГУСТО/Й, -а́я, -е́е унча зич (қалин, қуюқ) эмас, сийракроқ, **сийрак; ~й лес** сийрак ўрмон; **~й чай** суюқ чой; **~е молоко́** суюқ сут.

НЕДАВН/ИЙ, -яя, -ее 1 яқин кунлардаги, яқиндаги, яқинда (кечагина) бўлиб ўтган (юз берган, содир бўлган); **~ий слу́чай** яқинда юз берган воқеа; **с ~его вре́мени** (с **~их пор**) яқиндан буён, яқиндан бери; **в ~ем про́шлом** яқин ўтмишда; 2 яқинда пайдо бўлган (қилинган, ишланган ва ҳ. к.); яқиндаги, янги; **~яя постро́йка** яқинда солинган иморат, янги бино; **~ие выпускни́ки шко́лы** мактабни яқинда битириб чиққанлар.

НЕДАВНО *нареч.* яқинда, яқиндагина, кечагина; тунов кун; ҳали, боя; яқиндан бери (буён); **мы живём здесь ~** биз бу ерда яқиндан бери турамиз; **они́ уе́хали ~** улар яқинда кетишди; **он ~ был здесь** у яқинда (ҳали) шу ерда эди.

НЕДАЛЁК/ИЙ, -ая, -ое 1 яқин, яқиндаги, яқин (шу) орадаги (атрофдаги); яқинда бўлган, жойлашган; **~ое село́** яқин қишлоқ; **~ие собы́тия** яқинда бўлган (юз берган) воқеалар; 2 узоқ эмас, яқин, қисқа; **~ий путь** яқин (қисқа) йўл; 3 *перен. от чего* яқин, яқин келган (келадиган); **~ий от и́стины** ҳақиқатга яқин; 4 яқин, туғишган; **~ие ро́дственники** яқин (туғишган) қариндошлар; 5 калтабин, калтафаҳм; узоққа ақли етмайдиган; узоқни кўрмайдиган; **~ий челове́к** калтабин (калтафаҳм) одам.

НЕДАЛЕКО́ и **НЕДАЛЕ́КО** *нареч.* 1 *в знач. сказ.* яқин; узоқ (олис) эмас; **отсю́да до реки́ ~** бу ердан дарё узоқ эмас; 2 *в знач. сказ.* яқин, узоқ эмас, яқин (яқинлашиб) қолди; **до зимы́ ~** қишга яқин қолди, **ҳадемай қиш** келади; 3 *безл. в знач. сказ. кому-чему до кого-чего* узоқ эмас, яқин қолди, салгина етмайди, сал нарсада турипти; сал қолган, қийин эмас, осон, ҳеч гап эмас; **так до беды́ ~** бу аҳволда кўнгилсизликка учраш ҳеч гап эмас; **ему́ ~до профе́ссора** унинг профессор бўлиши узоқ эмас, у яқинда профессор бўлади; ✦ **~ ходи́ть (идти́)** қидириб узоққа боришнинг (узоқдан қидиришнинг) ҳожати йўқ; шу ердан ҳам кўп топилади; **за приме́ром идти́ ~** мисолни узоқдан қидиришнинг ҳожати йўқ; мисол шу ерда (ўзимизда) ҳам топилади.

НЕДАЛЬНОВИ́ДН/ЫЙ, -ая, -ое; -ден, -дна калтабин, узоқни кўрмайдиган (кўролмайдиган); **~ый полити́к** калтабин сиёсатчи; **~ая полити́ка** узоқни кўролмайдиган сиёсат.

НЕДАРО́М *нареч.* бекор (бекорга) эмас, бежиз эмас, бирор мақсад билан; **~ стара́лись** бекорчи ҳаракат қилганимиз йўқ; ҳаракатимиз бекор кетмади; **он пришёл ~** унинг келиши бежиз эмас, у бекор келган эмас; **~ говори́тся, что де́ло ма́стера бои́тся** иш устасидан қўрқади, деб бекорга айтилган эмас.

НЕДВИЖИ́МОСТЬ *ж* амлок, кўчмас мулк (ер-сув, иморат ва ш. к.).

НЕДВИ́ЖИМ/ЫЙ, -ая, -ое 1 қимирламайдиган, қўзғалмайдиган, кўчмайдиган, кўчмас, ҳаракатсиз (қотган), сокин; **~ый во́здух** сокин ҳаво; **он лежа́л ~** у қимирламай ётарди; 2 кўчмас; **~ое иму́щество** кўчмас мулк (ер-сув, иморат ва ш. к.).

НЕДВИЖИ́МЫЙ, -ая, -ое *уст. то же, что* **недви́жимый** 1.

НЕДВУСМЫСЛЕННЫЙ, -ая, -ое икки хил тушунишга йўл қўймайдиган, аниқ, тўппа-тўғри; **~ отве́т** аниқ жавоб.

НЕДЕЕСПОСО́БНОСТЬ *ж* 1 *книжн.* ҳаракат (иш) қила олмаслик, ишга лаёқати йўқлик, лаёқатсизлик; 2 *юр.* ҳуқуқий муомалага лаёқатсизлик (ўз ҳуқуқини ўзи ҳимоя қила олмайдиган, даъвогар ёки жавобгар бўла олмайдиган ҳолат, мас., балоғатга етмаганлик, руҳий ожизлик ва ҳ. к.).

НЕДЕЕСПОСО́БНЫЙ, -ая, -ое; -бен, -бна 1 *книжн.* ҳаракат (иш) қила олмайдиган, ишга лаёқати йўқ, лаёқатсиз; ожиз, нотавон; **~ коллекти́в** лаёқатсиз (ожиз) коллектив 2 *юр.* ҳуқуқий муомалага лаёқатсиз (мас., балоғатга етмаган, руҳий ожиз ва ҳ. к.); **~ граждани́н ҳуқуқий** муомалага лаёқатсиз граждан.

НЕДЕ́ЙСТВЕННЫ/Й, -ая, -ое амалий натижа бермайдиган, таъсир (кор) қилмайдиган, таъсирсиз; **~е ме́ры** амалий натижа бермайдиган тадбир-чоралар.

НЕДЕЙСТВИТЕЛ/ЬНЫЙ, -ая, -ое; -лен, -льна 1 қонуний кучга эга бўлмаган, бекор қилинган; **без печа́ти биле́т ~ен** муҳрсиз билет ўтмайди; 2 таъсир (кор) қилмайдиган, бекорчи, беҳуда.

НЕДЕЛИ́М/ЫЙ, -ая, -ое 1 бўлинмас, бўлинмайдиган, тақсим қилинмайдиган; **~ый фонд** бўлинмас фонд; 2 *мат.* қолдиқсиз бўлинмайдиган; **~ое число́** қолдиқсиз бўлинмайдиган сон.

НЕДЕ́ЛЬНЫЙ, -ая, -ое бир ҳафталик, бир ҳафта ичида бўлган, бир ҳафтага мўлжалланган; ҳафталик; **~ отгу́л** бир ҳафталик отгул; **~ уде́й** бир ҳафтада соғиб олинган сут; **~ за́работок** ҳафталик иш ҳақи.

НЕДЕ́Л/Я *ж* 1 ҳафта; **пе́рвая ~я ма́я** май ойининг биринчи ҳафтаси 2 бир ҳафта, бир ҳафталик муддат; **прие́хать в Ташке́нт на ~ю** Тошкентга бир ҳафтага келмоқ; **че́рез ~ю** бир ҳафтадан кейин; **~я, как он уе́хал** кетганига бир ҳафта бўлди; 3 *что* или *какая* ҳафталик; **~я де́тской кни́ги** болалар китоблари ҳафталиги; ✦ **рабо́чая ~я** иш ҳафтаси; **пятидне́вная рабо́чая ~я** беш кунлик иш ҳафтаси; **без го́ду ~я** *см.* **год; семь пя́тниц на ~е** *у кого см.* **пя́тница; свята́я ~я** *см.* **свято́й.**

НЕДЕ́ЛЯМИ *нареч.* ҳафталаб, бир неча ҳафта давомида (сурункасига).

НЕДЕРЖА́НИЕ *с:* **~ мочи́** қовуғи бўшлик, сийдикни тутолмаслик, чакмазак

НЕДЕ́ШЕВО *нареч.* 1 арзон эмас, анча қиммат, анча пул туради; **э́та ме́бель сто́ит ~** бу мебель анча пул туради; 2 *перен.* **машаққат, қийинчилик билан,** осонлик билан

www.ziyouz.com kutubxonasi

эмас, зўр талафотлар эвазига, қимматга; ~ **доста́лась нам побе́да** ғалабага осонлик билан эришмадик.

НЕДИСЦИПЛИНИРОВАННОСТЬ *ж* интизомсизлик, тартибсизлик; **прояви́ть** ~ интизомсизлик қилмоқ.

НЕДИСЦИПЛИНИРОВАННЫЙ, -ая, -ое интизомсиз, тартибсиз; ~ **ученик** интизомсиз ўқувчи.

НЕДОБИРА́ТЬ *несов. см.* **недобра́ть.**

НЕДОБО́Р *м* тўлмаганлик, етмаганлик; тўлмай қолиши; ками, етмагани, тўлмагани; етмай (тўлмай) қолган қисми; ~ **уча́щихся** ўқувчиларнинг тўлмай қолиши (ўқув юртида); ~ **урожа́я** ҳосилнинг кўзда тутилгандан кўра камлиги, кам бўлиб қолиши, тўлмаган қисми.

НЕДОБРА́ТЬ, -беру́, -бере́шь *сов.* (*несов.* **недобира́ть**) *что* и *кого-чего* керагидан камроқ олмоқ, тўлдиролмай қолмоқ; ~ **урожа́й** керагидан (кўзда тутилганидан) камроқ ҳосил олмоқ; ~ **уча́щихся в учи́лище** ўқув юртига керагича ўқувчилар ололмай қолмоқ.

НЕДОБРОЖЕЛА́ТЕЛЬ *м* бировга яхшиликни раво кўрмайдиган (ёмонлик тилайдиган) одам, ичи қора, бадхоҳ, душман.

НЕДОБРОЖЕЛА́ТЕЛЬНЫЙ, -ая, -ое; -лен, -льна 1 бировга яхшиликни раво кўрмайдиган, ёмонлик тилайдиган, ичи қора, бадхоҳ, душман; ~ **челове́к** бадхоҳ одам; 2 ичи қоралик билан, душманларча, ёмон; ~ **взгляд** душманларча (ёмон) қараш.

НЕДОБРОКАЧЕСТВЕННЫ́Й, -ая, -ое сифати ёмон, паст; паст сифатли; ~**е проду́кты** сифати ёмон (паст) маҳсулотлар.

НЕДОБРОСОВЕСТН/ЫЙ, -ая, -ое; -тен, -тна 1 виждонсиз, инсофсиз, ноинсоф; ~**ый рабо́тник** ноинсоф ходим; 2 инсофсизлик билан қилинган; кўнгилдан (инсоф билан) қилинмаган, инсофдан (виждонан) ишланмаган, инсофсиз; ~**ый посту́пок** инсофсиз иш; ~**ая рабо́та** инсофсизлик билан қилинган иш.

НЕДОБР/ЫЙ, -ая, -ое 1 ёмон, ёвуз, машъум, хунук; ~**ый челове́к** ёмон (ёвуз) одам; ~**ые наме́рения** ёвуз ниятлар: ~**ое чу́вство** *к кому-чему-н.* ёмон кўриш, ёқтирмаслик; ~**ый взгляд** ёмон (хунук) қараш; 2 ёмон, совуқ, шум, бехосият; ~**ая весть** шум хабар; 3 *в знач. сущ.* ~**ое** *с* ёмон (кўнгилсиз) иш (ҳаракат, ният ва ҳ. к.), ёмонлик, ёвузлик; **заду́мать** ~**ое** ёмон ишга қасд қилмоқ; **почу́ять** ~**ое** ёмонликни сезиб қолмоқ; ✦ ~**ой па́мяти** *кого-что* ёмонлаб (нафрат билан) эслаш.

НЕДОВЕ́РИ/Е *с* ишончсизлик, ишонмаслик, ишонмовчилик, шубҳа билан қараш, шубҳа олиш; **пита́ть** ~**е** ишончсизлик (шубҳа) билан қарамоқ, ишонмаслик; ✦ **во́тум** ~**я** *см.* **во́тум.**

НЕДОВЕ́РЧИВ/ЫЙ, -ая, -ое бадгумон, бировга (ҳеч кимга ёки ҳеч нарсага) ишонмайдиган, ҳар кимга (ҳар нарсага) шубҳа билан қарайдиган; ~ **ый челове́к** бадгумон одам, бировга (ҳеч кимга, ҳеч нарсага) ишонмайдиган одам; ~**ое отноше́ние друг к дру́гу** бир-бирига ишонмаслик, бир-биридан шубҳаланиш (шубҳа олиш); ~**ый взгляд** ишончсизлик (шубҳа) билан қараш.

НЕДОВЕ́С *м* I *по гл.* **недове́сить;** 2 тарозидан (тошдан) урилган қисм; кам келган (тортилган) оғирлик; ~ **составля́ет пять килогра́ммов** кам тортилгани (тарозидан уриб қолингани) беш килограмм; **возмести́ть** ~ кам тортилганнинг (тошдан урилганнинг) ўрнини тўлдирмоқ.

НЕДОВЕСИ́ТЬ, -е́шу, -е́сишь *сов.* (*несов.* **недове́шивать**) *что* и *чего* кам тортмоқ, тарозидан (тошдан) уриб қолмоқ.

НЕДОВЕ́СОК *м, р.* **-ска** *разг.* тоши енгил (оғирлиги керагидан кам) нарса.

НЕДОВЕ́ШИВАТЬ *несов. см.* **недове́сить.**

НЕДОВО́ЛЬНЫ/Й, -ая, -ое; -лен, -льна кўнгли тўлмаган, норози, рози (хурсанд, мамнун) эмас, домангир; ~**й взгляд** норози (бўлиб) қараш; норози чеҳра; **он недово́лен собо́й** у ўзидан норози (хурсанд эмас); **оста́ться** ~**м** норози (домангир) бўлиб қолмоқ.

НЕДОВО́ЛЬСТВ/О *с* норозилик, рози эмаслик, домангирлик; **выраже́ние** ~**а** норозилик билдириш.

НЕДОВЫПОЛНЕ́НИЕ *с* 1 *по гл.* **недовы́полнить;** ~ **пла́на** планни тўлдирмаслик; планнинг бажарилмай қолиши; 2 тўлмай (бажарилмай) қолган қисм; ~ **составля́ет два проце́нта пла́на** планнинг бажарилмай қолган қисми икки процентни ташкил этади.

НЕДОВЫПОЛНИ/ТЬ *сов.* (*несов.* **недовыполня́ть**) *что* кам бажармоқ; тўлдиролмай (тўла бажаролмай) қолмоқ, тўлдирмаслик, тўла бажармаслик; **брига́да** ~**ла зада́ние на два проце́нта** бригада топшириқни икки процент кам бажарди; **цех** ~**л ме́сячную но́рму** цех ойлик нормани тўла бажара олмади.

НЕДОВЫПОЛНЯ́ТЬ *несов. см.* **недовы́полнить.**

НЕДОГАДЛИВЫЙ, -ая, -ое фаҳми (фаросати) етмайдиган, фаҳмлаб ололмайдиган, пайқамайдиган, бефаҳм, бефаросат, бетамиз.

НЕДОГЛЯДЕ́ТЬ, -яжу́, -ядишь *сов.* 1 *что* и *чего* кўрмай (пайқамай) қолмоқ, бепарволик (эътиборсизлик) қилмоқ, кўз-қулоқ бўлиб турмаслик; ~ **оши́бки** хатони кўрмай (пайқамай) қолмоқ; ~ **за ребёнком** болага бепарво қарамоқ (бўлмоқ).

НЕДОГОВА́РИВАТЬ *несов. см.* **недоговори́ть.**

НЕДОГОВОРЕ́ННОСТ/Ь *ж* 1 тўлиқ (тўла) айтилмаганлик, айтиб битирилмаганлик, охирига етказилмаганлик; чала; ~**ь в расска́зе** ҳикоянинг тўлиқ айтилмаган (охирига етказилмаган) жойлари; 2 ўзаро келишилмаганлик, битишмаганлик; сўзнинг (гапнинг) бир ерга қўйилмаганлиги; гап (сўз) бир ердан чиқмаслик; **недоразуме́ния из-за** ~**и** келишиб олинмаганлик орқасидаги англашилмовчиликлар.

НЕДОГОВОРИ́/ТЬ *сов.* (*несов.* **недогова́ривать**) *что* и *чего* чала (нотўла) айтмоқ, нималарнидир айтмай (яшириб) қолдирмоқ; охиригача (бор гапни) айтмаслик; ~**л са́мого гла́вного** энг муҳимини (муҳим гапни) айтмади.

НЕДОДЕ́ЛК/А *ж, р. мн.* **-лок** ишнинг чаласи, кам-кўсти; чала ишланган нарса; **в рабо́те ещё оста́лись** ~**и** ишнинг ҳали чаласи кўп.

НЕДОЕДА́НИЕ *с* 1 *по гл.* **недоеда́ть;** 2 очин-тўқин (чалақурсоқ бўлиб) яшаш, қорни овқатга тўймаслик; **систематическое** ~ доим овқатга тўймаслик, очин-тўқин (чалақурсоқ бўлиб) яшаш.

НЕДОЕДА́/ТЬ *несов.* 1 *см.* **недое́сть;** 2 очин-тўқин (чалақурсоқ бўлиб) яшамоқ, қорни овқатга тўймаслик; овқатга ёлчимаслик; **на́ши отцы́ и де́ды недосыпа́ли и** ~**ли, что́бы жизнь на́ша ста́ла лу́чше** бизнинг ҳаётимиз порлоқ бўлсин деб оталаримиз ва боболаримиз яхши ухламаганлар, очин-тўқин кун кечирганлар.

НЕДОЕ́/СТЬ, -е́м, -е́шь; -е́ст, -еди́м, -еди́те, -еда́т *сов.* (*несов.* **недоеда́ть**) чала тўймоқ, тўймай (чалақурсоқ бўлиб) қолмоқ; овқатни чала-чулпа (тагида қолдириб, ишхўрт қилиб) емоқ; **Сам** ~**шь, а коню́ подбро́сь** (В. Смирнов) Ўзинг емасанг (тўймай қолсанг) ҳам, отни тўйдир.

НЕДОЖА́ТЬ I, -жну́, -жнёшь *сов.* (*несов.* **недожина́ть**) *что* и *чего* кам (чала) ўрмоқ, керагидан камроқ ўриб олмоқ.

НЕДОЖА́ТЬ II, -жму́, -жмёшь *сов.* (*несов.* **недожима́ть**) *кого-что спорт.* (штанга, тош ва ш. к. ни) кўтариб, керакли нормага етказа олмаслик; ~ **шта́нгу** штанга кўтариб, керакли нормага етказа олмаслик.

НЕДОЖИМА́ТЬ *несов. см.* **недожа́ть II.**

НЕДОЖИНА́ТЬ *несов. см.* **недожа́ть I.**

НЕДОЗВО́ЛЕННЫЙ, -ая, -ое ман этилган, тақиқланган; рухсат (ижозат) берилмаган, ножоиз; ~ **приём** ман этилган (ножоиз) усул.

НЕДОЗРЕ́ЛЫ/Й, -ая, -ое 1 пишиб етилмаган, хом, ғўр, думбул; ~**е плоды́** ғўр мевалар; 2 *перен.* камолотга етмаган, етилмаган, чала, хом, ғўр; ~**й ум** етилмаган ақл.

НЕДОИ́МК/А *ж, р. мн.* **-мок** боқимонда, тўланмай қолган қарз, солиқ; **взима́ть** ~**и** боқимондани ундирмоқ.

НЕДОИ́МОЧНЫЙ, -ая, -ое боқимонда (қарз) бўлиб қолган; боқимонда...

НЕДОИ́МЩИК *м* боқимондачи (қарз, солиқ ва ш. к. ни ўз вақтида батамом тўламаган шахс).

НЕДОКАЗА́ТЕЛЬНЫ/Й, -ая, -ое; -лен, -льна етарли далил бўла олмайдиган, ишончсиз, асоссиз; ~**е возраже́ния** асоссиз эътирозлар.

НЕДОКАЗУ́ЕМЫЙ, -ая, -ое исботлаб (асослаб) бўлмайдиган.

НЕДОКА́РМЛИВАТЬ *сов. см.* **недокорми́ть.**

www.ziyouz.com kutubxonasi

НЕДОКО́РМ *м* етарлича (тўйдириб) овқатлантирмаслик, боқмаслик.

НЕДОКО́РМИТЬ, -ормлю́, -о́рмишь *сов. (несов.* **недока́рмливать**) овқатни кам бермоқ, тўйдирмай (чалақурсоқ қилиб) боқмоқ, чалақурсоқ қилиб қўймоқ.

НЕДОЛГА́: (вот) и вся ~ тамом, тамом-вассалом.

НЕДОЛГ/ИЙ, -ая, -ое; -о́лог, -олга́, -о́лго узоқ давом этмайдиган, қисқа, озгина, оз; ~**ий разгово́р** қисқа гап (суҳбат); **по́сле** ~**ого размышле́ния** бир оз (сал) ўйлаб кўргандан кейин; [**Бой**] **дли́лся с** ~**ими перерывами в тече́ние трёх су́ток** (Березко) Жанг қисқа танаффуслар билан уч сутка давом этди.

НЕДО́ЛГО 1 *нареч.* қисқа (озгина) вақт, хаёлламай, бир фурсат, бир пас; узоқ (кўп) эмас; **он жил здесь** ~ у бу ерда узоқ турмади; **разгово́р дли́лся** ~ гап узоқ чўзилмади; ~ **ду́мая** узоқ ўйлаб ўтирмасдан; 2 *в знач. сказ.* қийин эмас, ҳеч гап эмас, осон; **утону́ть в тако́й реке́** ~ бундай дарёда чўкиб кетиш ҳеч гап эмас.

НЕДО́ЛГОВЕ́ЧН/ЫЙ, -ая, -ое; -чен, -чна 1 умри қисқа (калта), узоқ яшамайдиган, узоққа бормайдиган, ўтиб кетадиган, ўткинчи; ~**ое сча́стье** узоққа бормайдиган (ўтиб кетадиган) бахт; 2 узоқ чидамайдиган, чидамсиз, бепанд, омонат; ~**ое строе́ние** узоқ чидамайдиган (турмайдиган) иморат, бепанд бино.

НЕДО́ЛГОВРЕ́МЕНН/ЫЙ, -ая, -ое; -менен, -менна узоқ давом этмайдиган (этмаган), қисқа; ~**ая разлу́ка** қисқа жудолик.

НЕДОЛЁТ *м* мўлжалга бориб етмаслик, нишонга етмай қолиш (снаряд, ўқ ҳақида).

НЕДОЛЮБЛИВА́ТЬ *несов. кого-что* унча яхши (хуш) кўрмаслик, ёқтирмаслик.

НЕДО́ЛЯ *ж уст. и нар.-поэт.* оғир қисмат, шўрпешаналик, толеи пастлик.

НЕДОМЕ́РОК *м, р.* **-рка** 1 ўзига яраша катталикда (тегишли ўлчовда) бўлмаган нарса, кимса; **де́вочка-**~ ўсмай (кичкина бўлиб) қолган қизча; 2 рисоладагидан кичик кийим ёки пойабзал.

НЕДОМОГА́НИЕ *с* сирқовланиш, касал (бетоб) бўлиб туриш, мазаси қочиш, тоби айнаш, лоҳаслик, дармонсизлик; **чу́вствовать** ~ мазаси қочиб (лоҳас бўлиб) турмоқ.

НЕДОМОГА́ТЬ *несов.* сирқовланмоқ, касал (бетоб) бўлиб турмоқ, мазаси қочмоқ, тоби айнимоқ, лоҳас бўлмоқ, дармонсизланмоқ; ~ **от жары́** иссиқдан лоҳас бўлмоқ.

НЕДОМО́ЛВКА *ж, р. мн.* **-вок** чала қолган (айтилмаган) гап, очиғини айтмай гапирилган гап; **говори́ть** ~**ми** баъзи гапларни (очиғини) айтмай ташлаб-ташлаб гапирмоқ.

НЕДОМЫСЛИ/Е *с* тушуниб ета олмаслик, тушунмаслик, фаҳми етмаслик; **он сде́лал э́то по** ~**ю** бу ишни у тушунмаслик орқасида қилган.

НЕДОНО́СОК *м, р.* **-ска** чала туғилган бола, чала.

НЕДОНО́ШЕННЫЙ, -ая, -ое вақтидан олдин туғилган; чала; ~ **ребёнок** вақтидан олдин (чала) туғилган бола.

НЕДООЦЕ́НИВАТЬ *несов. см.* **недооцени́ть.**

НЕДООЦЕНИ́ТЬ *сов. (несов.* **недооце́нивать**) *что* и *чего* кам баҳо бермоқ, етарлича (муносиб) баҳо бермаслик, қадрига етмаслик, назар-писанд қилмаслик; ~ **свои́ возмо́жности** ўз имкониятларига етарлича баҳо бермаслик; ~ **си́лы проти́вника** рақибининг кучига етарли баҳо бермаслик, рақибининг кучини назар-писанд қилмаслик.

НЕДООЦЕ́НКА *ж по гл.* **недооцени́ть;** ~ **достиже́ний нау́ки** фан ютуқларига етарлича баҳо бермаслик.

НЕДОПОНИМА́НИЕ *с* яхши (етарлича) тушунмаслик; ~ **свои́х зада́ч** ўз вазифаларини яхши тушунмаслик.

НЕДОПУСТИ́М/ЫЙ, -ая, -ое йўл қўйиб бўлмайдиган, ножўя, ножоиз; ~**ая оши́бка** йўл қўйиб бўлмайдиган хато.

НЕДОРАБА́ТЫВАТЬ *несов. см.* **недоработа́ть.**

НЕДОРАБО́ТАНН/ЫЙ, -ая, -ое 1 *прич. от* **недоработа́ть;** 2 *в знач. прил.* чала ишланган, ишлаб тугатилмаган, охирига етказилмаган, битирилмаган, қўлдан чиқарилмаган, чала; ~**ая пье́са** битирилмаган (охирига етказилмаган) пьеса; ~**ые чертежи́** тугатилмаган (қўлдан чиқарилмаган) чизмалар.

НЕДОРАБО́ТА/ТЬ *сов. (несов.* **недораба́тывать**) *что* и *без доп.* 1 керагидан камроқ ишламоқ, ишдан барвақтроқ (иш тугамасдан) кетмоқ; ~**ть сме́ну** смена тугамай ишдан кетмоқ; 2 ишни чала қолдирмоқ, ишни охиригача етказмаслик (тугатмаслик, қўлдан чиқармаслик); **прое́кт** ~**н** лойиҳа тугатилмаган (охирига етказилмаган).

НЕДОРАБО́ТК/А *ж, р. мн.* **-ток** 1 *по гл.* **недоработа́ть;** 2 ишнинг чаласи; чала, камчилик; **устрани́ть** ~**и** ишнинг чаласини тугатмоқ.

НЕДОРАЗВИТЫ/Й, -ая, -ое 1 ҳали ўсиб етилмаган; яхши ўсмаган, ўсишдан тўхтаб етилмай қолган, пачоқ; ~**е ли́стья** ҳали ўсиб етилмаган (ёки ўсишдан тўхтаб етилмай қолган) барглар; 3 ақлий жиҳатдан ўсмай қолган, норасо; ~**й ребёнок** ақлий жиҳатдан ўсмай қолган бола.

НЕДОРАЗУМЕ́НИ/Е *с* 1 англашилмовчилик, тушунмовчилик, хато (нотўғри) тушуниш; **сде́лать** *что-л.* **по** ~**ю** англашилмовчилик орқасида бирор иш қилиб қўймоқ; 2 келишмовчилик, низо, жанжал, можаро; **Ме́жду зятья́ми...** ~**я возника́ли из-за вся́ких пустяко́в** (Мамин-Сибиряк) Божалар ўртасида... арзимаган нарсадан жанжал чиқадиган бўлиб қолди.

НЕДО́РОГО *нареч.* 1 арзонга, арзон; **купи́ть** *что-л.* ~ арзонга олмоқ; **продава́ть** *что-л.* ~ арзон сотмоқ; 2 осонлик билан, осонгина, қийинчиликсиз; бемашаққат; ~ **доста́лось, небо́льно и жаль** *посл.* бемашаққат келган нарсага жон ачимайди; қандай келган бўлса, шундай кетади.

НЕДОРО́Г/ОЙ, -а́я, -о́е 1 унча қиммат бўлмаган, унча қиммат турмайдиган, нисбатан арзон; ~**а́я ме́бель** унча қиммат бўлмаган (нисбатан арзон) мебель; ~**а́я гости́ница** арзон (жой арзон) меҳмонхона; 2 унча юқори (баланд) бўлмаган, нисбатан паст, арзон (нарх-наво ҳақида); ~**ие це́ны** арзон нархлар; 3 қадрланмайдиган, қадри йўқ; қадрсиз; **Ва́нька ве́сел, Ва́нька в ду́хе — Жизнь** ~**а́!** (Н. Некрасов) Ванька хурсанд, Ваньканинг кайфи чоғ — Ҳаёти унга бир пул.

НЕДОРО́Д *м то же, что* **неурожа́й.**

НЕДОРО́СЛЬ *м* 1 недоросль (18—19-асрларда: ҳали давлат хизматига кирмаган, дворянларга мансуб ўспирин); 2 ўқимаган, чаласавод йигит; умуман, саводсиз, нодон одам.

НЕДОСКА́ЗАННЫЙ, -ая, -ое охиригача айтилмаган, чала қолган.

НЕДОСМО́ТР *м* 1 яхши қарамаслик, диққатсизлик, эътиборсизлик; **по** ~**у** эътиборсизлик орқасида; 2 яхши қарамаслик (эътиборсизлик) орқасидаги хатолик, кўнгилсизлик ва ҳ. к.; **доса́дный** ~ ачинарли хато.

НЕДОСМОТРЕ́ТЬ *сов. что, чего* и *за кем-чем* кўрмай (пайқамай) қолмоқ, эътиборсизлик қилмоқ, бепарволик билан қарамоқ, эътиборсизлик (бепарволик) орқасида йўл қўймоқ; ~ **оши́бку** хатони кўрмай (пайқамай) қолмоқ; ~ **за ребёнком** болага бепарволик билан қарамоқ, болага бепарво бўлмоқ.

НЕДОСО́Л *м* тузи камлик (пастлик), етарли тузланмаганлик; ~**на столе́, а пересо́л на спине́** *посл.* тузи паст бўлса, дастурхон устида (тўғриланади), шўр бўлса, елкада (калтак синади).

НЕДОСПА́/ТЬ, -плю́, -пи́шь *сов.* кам (чала) ухламоқ, уйқуси чала бўлиб қолмоқ, уйқуга қонмаслик (тўймаслик); **я сего́дня немно́го** ~**л** мен бугун бир оз уйқуга тўймадим (бир оз уйқум чала бўлиб қолди).

НЕДОСПЕ́ЛЫЙ, -ая, -ое етилиб пишмаган, етилмаган, хом, ғўр.

НЕДОСТАВА́/ТЬ, -таёт *несов. безл. кого-чего* 1 кам бўлмоқ, етишмаслик; **в батальо́не** ~**ло офице́ров** батальонда офицерлар етишмас эди; **ему́** ~**ло о́пыта** унинг тажрибаси кам (унга тажриба етишмас) эди; 2 йўқ (кам) бўлмоқ, кам келмоқ; кам чиқмоқ; етишмаслик; **в о́кнах** ~**ло не́скольких стёкол** деразаларнинг бир неча кўзида ойна йўқ эди; **все бы́ли в сбо́ре,** ~**ло то́лько Ахме́да** ҳамма йиғилган, фақат Аҳмад йўқ (етишмас) эди; **в ка́ссе** ~**ло ты́сячу рубле́й** кассада минг сўм пул кам (етишмас) эди; 3 зарур бўлмоқ, керак бўлмоқ; **нам о́чень** ~**ло вас** сиз бизга жуда керак бўлиб турган эдингиз; **я нашёл то, чего́ мне** ~**ло** мен ўзимга керак (бўлган) нарсани топдим; ✦ **э́того ещё** ~**ло! бир** ками(м) шу эди!; шу етмай турган эди!

www.ziyouz.com kutubxonasi

НЕДОСТА́Т/ОК *м р.* **-тка** 1 нуқсон, иллат, айб, камчилик; **~ки в рабо́те** ишдаги камчиликлар; **~ки слу́ха** қулоғи оғирлик, яхши эшитмаслик; **физи́ческий ~ок** жисмоний камчилик; 2 етишмаслик, камлик, танқислик; **~ок рабо́чей си́лы** иш кучининг етишмаслиги; 3 *разг.* етишмовчилик, муҳтожлик, камбағаллик; **жить в ~ке** муҳтожликда яшамоқ.

НЕДОСТА́ТОЧНО 1 *нареч.* етарли даражада (унча яхши) эмас, кам (оз); **я ~ зна́ю его́** мен уни унча яхши билмайман; 2 *безл. в знач. сказ.* етмайди, етишмайди, озлик қилади, кифоя қилмайди; **э́того ещё ~** бу ҳали кифоя қилмайди, бу ҳали етмайди, бу билан бўлмайди.

НЕДОСТА́ТОЧНОСТЬ *ж* 1 етмаслик, етишмаслик, етарли (кифоя) эмаслик; камлик, озлик; **~ при́нятых мер** қабул қилинган (кўрилган) чора-тадбирларнинг етарли эмаслиги; 2 *мед.* етишмовчилик (бирор орган фаолиятининг етарли эмаслиги); **серде́чная ~** юрак фаолиятидаги етишмовчилик.

НЕДОСТА́ТОЧН/ЫЙ, -ая, -ое; -чен, -чна 1 етарли бўлмаган, етмайдиган, етишмайдиган, кифоя қилмайдиган; озлик қиладиган, кам, оз; **~ая по́мощь** етарли (етарлича) бўлмаган ёрдам; **э́та су́мма ~а** бу пул (сумма) озлик қилади (етмайди); 2 қониқарли эмас, қониқарсиз, бўш, кам, оз; **обнару́жить ~ые зна́ния** билими қониқарли эмаслигини билдириб (сездириб) қўймоқ; 3 етарлича асосли деб бўлмайдиган, асоссиз, кучсиз, бўш; **~ая причи́на** асосли (маъзур) деб бўлмайдиган баҳона.

НЕДОСТА́/ТЬ, -а́нет *сов. безл. чего* камлик (озлик) қилмоқ, етмаслик, етишмаслик; **~ло де́нег на пое́здку** сафарга пули(м) етмади.

НЕДОСТА́Ч/А *ж разг.* етмаган пул (нарса ва ҳ. к.) миқдори, камомад; **обнару́жить ~у** камомадни (камомад борлигини) аниқламоқ, **У конду́кторши Завья́ловой оказа́лось семь рубле́й ~и** (Рыбаков) Кондуктор Завьяловада етти сўм камомад бор экан.

НЕДОСТАЮЩ/И́Й, -ая, -ее 1 *прич. от* **недоста́ть**; 2 *в знач. прил.* етишмайдиган, йўқ; **~е страни́цы** етишмайдиган бетлар, йўқ саҳифалар.

НЕДОСТИ́ЖИМ/ЫЙ, -ая, -ое 1 эришиб (етишиб, амалга ошириб) бўлмайдиган; муяссар бўлмайдиган; **~ая цель** эришиб бўлмайдиган мақсад; 2 *перен.* тенги йўқ, тенглашиб (тенг келиб) бўлмайдиган, беназир, баркамол; **~ая ли́чность** тенги йўқ шахс (инсон).

НЕДОСТОВЕ́РНЫ/Й, -ая, -ое; -рен, -рна ишониб бўлмайдиган, ишончсиз, шубҳали; **~е све́дения** ишониб бўлмайдиган маълумотлар.

НЕДОСТО́ЙНО 1 *нареч.* номуносиб бир равишда, номуносиб, ножўя; **вести́ себя́ ~** ўзини номуносиб (ножўя) тутмоқ; 2 *безл. в знач. сказ. кого-чего* нолойиқ, номуносиб, муносиб (тенг, мос) эмас; келишмайди, ярашмайди.

НЕДОСТО́ЙН/ЫЙ, -ая, -ое; -о́ин, -о́йна 1 нолойиқ, номуносиб, тенг (лойиқ, муносиб) эмас, арзимайдиган; **челове́к, ~ый похвалы́** мақташга (мақтовга) арзимайдиган одам; **Я недосто́ин вас, я э́то зна́ю** (Тургенев) Мен сизга муносиб (сизнинг тенгингиз) эмасман, мен буни яхши биламан; 2 ҳурматга нолойиқ, ноқобил, ношоён, арзимаган; **~ая ли́чность** ноқобил одам; 3 ярашмайдиган, келишмайдиган, нолойиқ, номуносиб, ножўя; **~ый посту́пок** ярашмайдиган (келишмайдиган) қилиқ, ножўя хатти-ҳаракат.

НЕДОСТУ́ПН/ЫЙ, -ая, -ое; -пен, -пна 1 эришиб (етишиб) бўлмайдиган, ёнига бориб (яқин келиб, йўлаб) бўлмайдиган, чиқиб (олиб, эгаллаб) бўлмайдиган; **~ая кре́пость** олиб бўлмайдиган қалъа; **~ые го́ры** чиқиб бўлмайдиган тоғлар; 2 куч (қурб) етмайдиган; амалга ошириб (рўёбга чиқариб) бўлмайдиган; **~ые це́ны** куч (қурб) етмайдиган баҳолар, кармон кўтармайдиган нархлар; **~ые жела́ния** амалга ошириб бўлмайдиган истаклар; 3 қийин, оғир, мушкул, англаб (тушуниб, ўзлаштириб) бўлмайдиган, ақл етмайдиган; **кни́ги, ~ые детя́м** болалар учун қийин китоблар; 4 ёнига йўлаб бўлмайдиган, ёнига йўлатмайдиган; **~ая краса́вица** ёнига йўлаб бўлмайдиган жонона.

НЕДОСУ́Г *м разг.* 1 кўл тегмаслик, вақт (фурсат) йўқлик; **не пришла́ из-за ~а** қўлим тегмаганлиги (вақт йўқлиги) учун кела олмадим; 2 *в знач. сказ. кому* фурсат (вақт) йўқ, қўл тегмайди; **~ мне э́тим занима́ться** бу иш билан шуғулланишга вақтим йўқ.

НЕДОСЧИТА/ТЬСЯ *сов.* (*несов.* **недосчи́тываться**) *кого-чего* ҳисоблаганда кам чиқмоқ, камлигини (етишмаслигини) билмоқ; **по́сле бо́я ~лись мно́гих бойцо́в** жангдан кейин бир неча одамимиз кам чиқди.

НЕДОСЧИТЫВА́ТЬСЯ *несов. см.* **недосчита́ться.**

НЕДОСЫПА́ТЬ, -ы́плю, -ы́плешь *сов.* (*несов.* **недосыпа́ть** I) *что* и *чего* керагидан кам солмоқ (тўкмоқ), тўлдирмай солмоқ; **~ пшени́цы в мешо́к** қопга буғдойни керагидан камроқ солмоқ.

НЕДОСЫПА́ТЬ I *несов. см.* **недосы́пать.**

НЕДОСЫПА́/ТЬ II *несов.* кам (чала) ухламоқ, уйқуси чала бўлиб қолмоқ, уйқуга тўймаслик; **в убо́рочную страду́ комба́йнёры ча́сто ~ли** ўрим-терим вақтида комбайнчилар кўпинча кам ухлардилар.

НЕДОСЯГАЕ́М/ЫЙ, -ая, -ое *то же, что* **недостижи́мый; на ~ой высоте́** чиқиб бўлмайдиган тепаликда; **~ый образе́ц** тенглашиб бўлмайдиган намуна.

НЕДОТЁПА *м* и *ж прост.* қовушмаган, бефаросат одам, сўтак, калвак.

НЕДОТРО́ГА 1 *м* и *ж* ҳазил (гап) кўтармайдиган одам; нозикойим, жиззаки; 2 *ж бот.* чўпхина, ёввойи хина, тегманозик.

НЕДОУ́ЗДОК *м, р.* **-дка** нўхта.

НЕДОУМЕВА́ТЬ *несов.* ҳайрон бўлиб қолмоқ, тонг қолмоқ, тушунмай ҳайрон бўлмоқ, талмовсирамоқ.

НЕДОУМЕ́НИ/Е *с* ҳайрат, таажжуб, таҳайюр, ҳайронлик; таажжубланиш, тушунолмай ҳайрон (тонг) бўлиш, талмовсираш; **быть в ~и** таажжубда қолмоқ, тушунолмай ҳайрон бўлмоқ.

НЕДОУМЁННЫЙ, -ая, -ое ҳайронликдаги, ҳайратдаги, таажжубдаги, ҳайрон бўлиб (ҳайратга тушиб) қолган, талмовсираган, ҳайрон; **~ взгляд** тушунолмай ҳайрон бўлиб қараш; **~ вопро́с** тушуна олмай (тушунмасликдан) берилган савол.

НЕДОУ́МИ/Е *с уст.* ақли қисқалик, ноқислик, ақли (эси) йўқлик, аҳмоқлик; **сде́лать** *что-л.* **по ~ю** аҳмоқлик билан бирор иш қилиб қўймоқ.

НЕДОУ́МОК *м, р.* **-мка** *прост.* ақли норасо (ноқис) одам, ақли (эси) йўқ, аҳмоқ.

НЕДОУ́ЧКА *м* и *ж, мн.* **-чек** *разг.* чала ўқиган одам, чаласавод, чаламулла.

НЕДОЧЁТ *м* 1 камомад; кам чиқиш, кам келиш; **~ су́ммы** кам келган (чиққан) пул, етмаган пул, камомад; 2 *мн.* **~ы** камчилик, хато, нуқсон; **~ы в рабо́те** ишдаги камчиликлар.

НЕ́ДР/А *мн.* 1 ер таги, ер ости; ер ости бойликлари; **в ~ах земли́** ер остида; **развёдка ~** ер ости бойликларини излаш; 2 *перен.* ич, ичкари, ора, ўрта, туб, замин, қаър; **в ~ах души́** қалбда, юракда, кўнгилда; **в ~ах наро́да** халқ орасида.

НЕДРЕМА́НН/ЫЙ, -ая, -ое *уст.* уйғоқ, сергак, ҳушёр, зийрак; **~ый страж** ҳушёр қоровул (қўриқчилар); **~ое о́ко** *ирон.* ҳушёр (зийрак) кўзлар.

НЕ́ДРЕМЛЮЩ/ИЙ, -ая, -ее уйғоқ, сергак, ҳушёр, зийрак; **~ая развёдка** ҳушёр разведка.

НЕДРУГ *м* душман, ёв, ағёр, ғаним; дўст эмас.

НЕДРУЖЕЛЮ́БНО *нареч.* хуш кўрмай, рўйхуш бермай, душманлик билан, нохайрихоҳона.

НЕДРУЖЕЛЮБИЕ *с* хуш кўрмаслик, ёқтирмаслик, ёмон кўриш (қараш), душманлик, нохайрихоҳлик, бадхоҳлик; **проявйть ~** душманлик қилмоқ, душманларча иш тутмоқ.

НЕДРУЖЕЛЮБН/ЫЙ, -ая; -ое; -бен, -бна хуш кўрмайдиган, ёқтирмайдиган, яхши кўрмайдиган, ёмон кўрадиган, душман, нохайрихоҳ, бадхоҳона, душманларча; **~ый челове́к** душман (ёмон кўрадиган) одам; **~ый взгляд** бадхоҳона (душманларча) қараш; **~ое отноше́ние** душманларча муносабат, душманлик муносабати.

НЕДУ́Г *м* 1 касаллик, хасталик, дард, оғриқ; **тяжёлый ~** оғир касаллик, оғир дард; 2 оғир кайфият, кайфи бузуқлик; **преодоле́ть свой ~и** оғир кайфиятдан чиқмоқ.

НЕДУ́РНО 1 *нареч.* бинойидай, нозандай, яхшигина, дурустгина, дуруст, тузук; **она́ ~ поёт** у дурустгина (бино-

www.ziyouz.com kutubxonasi

йидай) ашула айтади; 2 *безл. в знач. сказ.* ёмон (чакки) эмас, жуда яхши, туппа-тузук, биб-бинойи, нозандай; **для пе́рвого ра́за ва́ше выступле́ние во́все** ~ биринчи марта чиқишингиз ёмон (чакки) эмас; 3 *безл. в знач. сказ.* ёмон (чакки) бўлмас эди, яхши (соз) бўлар эди; **в таку́ю пого́ду** ~ **бы погуля́ть** бундай об-ҳавода бир сайр қилиб келинса ёмон (чакки) бўлмас эди.

НЕДУРН/ОЙ, -а́я, -о́е; -рён, -рна́ 1 ёмон (чакки) эмас, дуруст, яхши, бинойидай, нозандай, туппа-тузук; **у неё ~о́й го́лос** унинг овози ёмон (чакки) эмас, унинг овози дуруст; 2 тузуккина, чиройлигина, ёқимлигина, иссиққина; **она́ ~а́ собо́й** кўриниши иссиққина (тузуккина).

НЕДЮЖИННЫЙ, -ая, -ое фавқулодда, одатдан ташқари, бошқалардан ажралиб турадиган; ~ **тала́нт** фавқулодда истеъдод.

НЕЕЗЖЕН/ЫЙ, -ая, -ое 1 минилмаган, асов; ~**ый конь** минилмаган от, асов от; 2 юрилмаган; кам юрилган; ~**ая доро́га** юрилмаган (кам юрилган) йўл.

НЕЕСТЕСТВЕНН/ЫЙ, -ая, -ое; -вен, -венна 1 табиатда йўқ, табиатда бўлмаган (кўрилмаган), ғайритабиий; ~**ые си́лы** ғайритабиий (илоҳий) кучлар; ~**ая смерть** ғайритабиий (ўз ажали билан бўлмаган) ўлим; 2 табиатида (аслида, зотида) бўлмаган, ҳар вақтдагидан бошқача, ўзгача, ғайритабиий, ғайриоддий; ~**ый цвет лица́** ҳар вақтдагидан ўзгача ранг (юз ранги); 3 ясама, сохта, сунъий, ғайритабиий; ~**ый крик** ғайритабиий қичқириқ; ~**ый смех** ясама кулги; 4 жуда катта, зўр; ~**ая ско́рость** жуда катта тезлик.

НЕЖДАННО *нареч.*: ~**-нега́данно** беҳосдан, қўққисдан, кутилмаганда; **прие́хать** ~**-нега́данно** кутилмаганда (қўққисдан) келиб қолмоқ.

НЕЖДАНН/ЫЙ, -ая, -ое кутилмаган, ўйланмаган, ҳалда йўқ; тасодифий; ~**ый гость** кутилмаган меҳмон; ~**ая ра́дость** кутилмаган шодлик.

НЕЖЕЛАНИЕ *с* истамаслик, хоҳламаслик, майли (рағбати) йўқлик; ~ **е́хать** кетишни хоҳламаслик; кетишга (боришга) рағбати йўқлик.

НЕЖЕЛАТЕЛЬНО *безл. в знач. сказ. кому* и *без доп.* кераги йўқ, ...маса (...мағани) яхши (маъқул, дурустроқ); ...маса яхши бўлар эди; **нам** ~ **ва́ше вмеша́тельство** бизга сизнинг аралашмаганингиз маъқулроқ; сизнинг аралашувингизнинг бизга кераги йўқ.

НЕЖЕЛАТЕЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое; -лен, -льна хуш кўрилмаган (келмайдиган), ёқмайдиган, номатлуб, номақбул; ёқимсиз; ~**ая кандидату́ра** номақбул номзод; ~**ые расхо́ды** номақбул харажатлар; ~**ые после́дствия** ёқимсиз натижалар (оқибатлар).

НЕЖЕЛИ *союз сравн. книжн.* -га нисбатан, -га қараганда, -дан кўра; **вы зна́ете э́то лу́чше,** ~ **я** сиз буни мендан кўра яхши биласиз.

НЕЖЕНКА *м* и *ж, р. мн.* **-нок** *разг.* нозик-ниҳол одам, нозик, нозикойим, ипакойим.

НЕЖИВ/ОЙ, -а́я, -о́е 1 ўлик, жонсиз; 2 жонсиз, ноорганик; ~**а́я приро́да** жонсиз табиат; 3 *перен.* руҳсиз, ланж, ўлик, сўлғин; ~**о́й взгляд** руҳсиз қараш; ~**о́й цвет** ўлик ранг.

НЕЖИЗНЕННЫЙ, -ая, -ое 1 ҳаётий аҳамиятга эга бўлмаган, ҳаётий аҳамияти йўқ, турмушга татбиқ этиб бўлмайдиган, амалга ошмайдиган, нореал; ~ **план** амалга ошмайдиган (нореал) план; 2 ҳаётдан (ҳақиқатдан) узоқ, ҳаётда бўлмаган (бўлмайдиган); ҳаётий эмас; ~ **расска́з** ҳаётдан узоқ ҳикоя.

НЕЖИЗНЕСПОСОБН/ЫЙ, -ая, -ое; -бен, -бна 1 яшашга қобил эмас, яшай олмайдиган; ~**ые кле́тки** яшай олмайдиган ҳужайралар; 2 *перен.* яшаш (тирикчилик қилиш) йўлларини билмайдиган, яшай олмайдиган; ~**ая нату́ра** яшаш (тирикчилик қилиш) йўлларини билмайдиган одам; ~**ая тео́рия** яшай олмайдиган назария.

НЕЖИЛ/ОЙ, -а́я, -о́е 1 одам турмайдиган, яшамайдиган; 2 туриш (яшаш) учун белгиланмаган (мосланмаган ёки яроқсиз); ~**о́й дом** одам турмайдиган уй (мас., склад, корхона бинosи ва ҳ. к.); ~**ые ко́мнаты** туриш учун белгиланмаган (ёки яшаб бўлмайдиган) хоналар; 3 одам турадиган уйга хос эмас; **в ко́мнате** ~**о́й за́пах** уйдаги ҳид одам турадиган уй ҳидига ўхшамайди.

НЕЖИТЬ *несов.* 1 эркаламоқ, эркалатмоқ, суймоқ, паҳпаҳламоқ; ~ **дете́й** болаларни эркалатмоқ; болаларни паҳпаҳламоқ; 2 ҳузур бағишламоқ, ҳузур-ҳаловат бермоқ; **тёплое мо́ре не́жит купа́льщиков** илиқ денгиз чўмилувчиларга ҳузур бағишлайди.

НЕЖИТЬСЯ *несов.* ҳузур (маза) қилмоқ, роҳатланмоқ, нозланмоқ; ~ **на со́лнце** офтобда маза қилиб ётмоқ.

НЕЖНИЧАТЬ *несов. разг.* 1 эркаланмоқ, нозланмоқ, ноз қилмоқ, нозланиб гапирмоқ, тантиқлик қилмоқ; 2 юмшоқ (мулойим) гапирмоқ, юмшоқ (бўш) қарамоқ, юмшоқлик (бўшлик) қилмоқ.

НЕЖНОСТЬ *ж* 1 *см.* **не́жный** 1—4; **матери́нская** ~**ь** она меҳри; ~**ь отноше́ний** муносабатларнинг нозиклиги; 2 *мн.* ~**и** юмшоқ муомала, мулойим (ёқимли) гап ноз, адо; **говори́ть** ~**и** ёқимли гаплар гапирмоқ; ✦ **телячьи** ~**и** *см.* **теля́чий.**

НЕЖН/ЫЙ, -ая, -ое; -жен, -жна 1 нозик, мулойим, юмшоқ, хушмуомала, меҳрибон, мушфиқ; ~**ый друг** хушмуомала, меҳрибон, дўст; ~**ая мать** мушфиқ она; 2 нозик, ёқимли, дилбар; ~**ый взгляд** ёқимли қараш; ~**ый го́лос** нозик овоз; ~**ый арома́т** нозик ҳид; 3 нозик, нафис, майин, юмшоқ, мулойим, латиф; ~**ая ко́жа** нозик (нафис) тери; ~**ый пух** майин тивит; ~**ые цветы́** нафис гуллар; 4 нозик, нимжон, нозикойим; ~**ое сложе́ние** нимжон жусса; 5 нозик, тез бузиладиган (айнийдиган, сўладиган); ~**ые я́годы** нозик мевалар; 6 жуда ёш, мурғак; ~**ый во́зраст** мурғак ёш; ✦ ~**ый пол** *шутл.* аёллар, ожизалар.

НЕЗАБВЕНН/ЫЙ, -ая, -ое; -е́нен, -е́нна *высок.* унутилмас, унутиб бўлмайдиган, эсдан чиқмайдиган; ажойиб; ~**ая пора́ мо́лодости** унутилмас ёшлик чоғлари; ~**ый друг** унутилмас дўст; ажойиб ўртоқ.

НЕЗАБУ́ДКА *ж, р. мн.* **-док** бўтакўз.

НЕЗАБЫВАЕМ/ЫЙ, -ая, -ое унутилмас, унутилмайдиган, эсдан чиқмайдиган (чиқарилмайдиган); ~**ая встре́ча** унутилмас учрашув.

НЕЗАВИДН/ЫЙ, -ая, -ое; -ден, -дна ҳавас (ҳасад) қиларли эмас, яхши эмас, ачинарли, қийин, оғир; **у него́** ~**ое положе́ние** унинг аҳволи оғир (яхши эмас).

НЕЗАВИСИМОСТЬ *ж* 1 мустақиллик, эркинлик; ҳурлик; мухторият, истиқлол; **национа́льная** ~ миллий мустақиллик; **борьба́ за** ~ мустақиллик учун кураш; 2 мустақиллик, сарбастлик.

НЕЗАВИСИМ/ЫЙ, -ая, -ое 1 эрки ўзида бўлган, қарам бўлмаган, мустақил, эркин, ҳур, мухтор; ~**ые стра́ны** мустақил мамлакатлар; 2 мустақил, сарбаст; ~**ый челове́к** мустақил одам; ~**ый хара́ктер** мустақил феъл-атвор (характер), мустақиллик; 3 боғлиқ бўлмаган, боғланмаган; бошқа; ✦ ~**ая переме́нная** *мат.* эркин ўзгарувчан катталик; ~**о от** ...га қарамасдан.

НЕЗАВИСЯЩИ/Й: по ~**м** *от кого-чего* **обстоя́тельствам** ...га боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра, ташқи сабабларга кўра.

НЕЗАДА́ЧА *ж разг.* муваффақиятсизлик, омадсизлик, ишнинг ўнгмаслиги (ўнгмаганлиги), омад келмаслик (келмаганлиги), ишнинг тескари кетиши; **кака́я** ~**!** қандай омадсизлик!

НЕЗАДА́ЧЛИВ/ЫЙ, -ая, -ое *разг.* 1 иши юришмаган (юрмайдиган, ўнгмайдиган), омади йўқ; ~**ый учени́к** иши ўнгмайдиган (ўнгмаган) ўқувчи; 2 бахтсиз, иш ўнгмаган; ~**ый день** иш ўнгмаган кун; ~**ая жизнь** бахтсиз ҳаёт.

НЕЗАДО́ЛГО *нареч.* сал (бирмунча вақт) олдин (илгари), илгарироқ, олдинроқ; ~ **до войны́** урушдан олдинроқ, уруш бошланмасдан сал олдин.

НЕЗАКОННОРОЖДЁННЫЙ, -ая, -ое никоҳланмаган ота-онадан туғилган, никоҳсиз туғилган, ҳароми; ~ **ребёнок** никоҳсиз туғилган бола, ҳаромзода, валади зино, валад.

НЕЗАКО́ННЫЙ, -ая, -ое 1 ғайриқонуний, қонунга хилоф, қонунга сиғмайдиган, ноҳақ; қонунсиз; 2 *то же, что* **незаконнорождённый.**

НЕЗАМЕДЛИТЕЛЬНЫ/Й, -ая, -ое; -лен, -льна тўхтовсиз, тез (дарҳол) бўладиган (қилинадиган), кечиктирилмайдиган, ошиғич; ~**е ме́ры** ошиғич чоралар.

НЕЗАМЕНИ́МЫ/Й, -ая, -ое 1 алмаштириб бўлмайдиган, ўрнини ҳеч нарса (кимса) босолмайдиган, тенги то-

www.ziyouz.com kutubxonasi

пилмайдиган, жуда керакли; **~х работников не быва́ет** алмаштириб бўлмайдиган ходимлар бўлмайди, ҳар қандай ходимни ҳам алмаштириш мумкин; 2 ўрнини тўлдириб бўлмайдиган; **~е поте́ри** ўрнини тўлдириб бўлмайдиган йўқотишлар.

НЕЗАМЕ́ТН/ЫЙ, -ая, -ое; -тен, -тна 1 сезилмайдиган, билинмайдиган, кўринмайдиган: киши билмас; **~ый шов** сезилмайдиган чок; **вре́мя прошло́ ~о** *нареч.* вақт ўтгани билинмади, вақт ўтганини билмай қолдик; 2 *перен.* оддий, кўзга ташланмайдиган, назар илмайдиган; **~ая ли́чность** оддий (кўзга ташланмайдиган) одам.

НЕЗАМЫСЛОВА́Т/ЫЙ, -ая, -ое осон, содда, оддий, жўн, мураккаб (қийин) бўлмаган; **~ый узо́р** содда нақш (гул); **~ая по́весть** содда қилиб ёзилган повесть.

НЕЗАПА́МЯТНЫ/Й, -ая, -ое жуда илгариги, бурунги, қадимги, аллақачонги; **с ~х времён** қадим замонлардан буён.

НЕЗАПЯ́ТНАНН/ЫЙ, -ая, -ое доғ тушмаган, гард тегмаган, бадном бўлмаган, соф, пок, нуқсонсиз, беғубор; **~ая репута́ция** доғ тушмаган (гард тегмаган) обрў-эътибор.

НЕЗАРАЗН/ЫЙ, -ая, -ое; -зен, -зна юқмайдиган, юқумсиз; **~ая боле́знь** юқумсиз касаллик.

НЕЗАСЛУЖЕНН/ЫЙ, -ая, -ое ноҳақ, ўринсиз, асоссиз; **~ый упре́к** ноҳақ (ўринсиз) таъна; **~ая награ́да** ўринсиз берилган мукофот.

НЕЗАТЕ́ЙЛИВЫ/Й, -ая, -ое содда, оддий(гина); жўн; **~е украше́ния** содда (оддийгина) безаклар.

НЕЗАТУХА́ЮЩИ/Й, -ая, -ее ўчмайдиган, сўнмайдиган, сўнмас; **~е колеба́ния** *физ.* сўнмайдиган тебранишлар.

НЕЗАУРЯ́ДНЫ/Й, -ая, -ое; -ден, -дна одатдан ташқари, фавқулодда; **ребёнок с ~ми спосо́бностями** фавқулодда қобилиятли бола.

НЕЗАЧЕ́М *нареч.* кераги (даркори) йўқ, ҳожати йўқ; бефойда; **~ идти́ туда́** у ерга боришнинг кераги йўқ; **~ серди́ться** жаҳлингиз чиқмай қўя қолсин; жаҳлнинг (жаҳл қилишнинг) кераги йўқ, жаҳлдан нима фойда.

НЕЗВА́НЫЙ, -ая, -ое чақирилмаган, таклиф қилинмаган, айтилмаган, ўзи келган; **~ гость** чақирилмаган меҳмон.

НЕЗДЕ́ШНИЙ, -яя, -ее бу (шу) ерлик эмас, маҳаллий (шу ерники) эмас, бу ерда турмайдиган, бошқа ердан келган; келгинди, мусофир.

НЕЗДОРО́ВИТ/ЬСЯ, -ится *несов. безл. кому* тоби айнимоқ, мазаси қочмоқ; касал бўлмоқ; **мне что-то ~ся** негадир тобим айниб (мазам қочиб) турипти; негадир мазам йўқ.

НЕЗДОРО́В/ЫЙ, -ая, -ое 1 сиҳати ёмон, соғлиғи қочган, касалманд, носоғ; бетоб, хаста; **~ый цвет лица́** носоғ кўриниш; синиққан ранг; 2 соғлиқ учун зарарли, носоғлом, соғлом эмас; **~ый кли́мат** соғлиқ учун зарарли (носоғлом) иқлим; 3 касал, бетоб, хаста; **я сего́дня ~** бугун мен касалман; 4 *перен.* ёмон, бузуқ, нотўғри; носоғлом; **~ая обстано́вка** носоғлом (бузуқ) шароит (вазият).

НЕЗДОРО́ВЬЕ *с* касаллик, бетоблик, хасталик, носоғлик, сиҳатсизлик; **лёгкое ~** енгил хасталик; бир оз бетоб бўлиш (тоби айниш).

НЕЗЕМН/О́Й, -а́я, -о́е 1 ердан ташқаридаги, осмондаги; самовий; осмоч...; **~ы́е тела́** осмон жисмлари; 2 *уст.* ғайритабиий, илоҳий; **~ые си́лы** илоҳий кучлар; 3 *перен.* юксак, илоҳий, мажозий; **~ая любо́вь** юксак севги; ишқи мажозий.

НЕЗЛО́БИВЫЙ, -ая, -ое ювош, мулойим, юмшоқ, кўнгли бўш; кўнглида кири йўқ; **~ челове́к** юмшоқ одам; **~ хара́ктер** мулойим характер, юмшоқ феъл-атвор.

НЕЗЛОПА́МЯТНЫЙ, -ая, -ое; -тен, -тна кек (адоват) сақламайдиган, гина-кудуратни билмайдиган, дали-ғули; **~ челове́к** кек (адоват) сақламайдиган одам, дали-ғули одам.

НЕЗНА́ЙКА *м* и *ж, р. мн.* **-а́ек** *разг.* билмасвой (болалар нутқида); **приключе́ния Незна́йки** Билмасвойнинг бошидан кечирганлари.

НЕЗНАКО́МЕЦ *м, р.* **-мца** нотаниш одам, бегона, ёт; **таи́нственный ~** қандайдир бегона одам.

НЕЗНАКО́МКА *ж, р. мн.* **-мок** *см.* **незнако́мец.**

НЕЗНАКО́МСТВО *с* 1 нотанишлик, таниш эмаслик, билмаслик, бехабарлик; **~ с вопро́сом** масала билан таниш эмаслик, масалани билмаслик; 2 бегоналик, таниш (ошна) эмаслик, билмаслик; **~ друг с дру́гом** бир-бири билан таниш эмаслик.

НЕЗНАКО́М/ЫЙ, -ая, -ое 1 нотаниш, илгари кўрилмаган, бошдан кечирилмаган; **~ый по́черк** нотаниш дастхат; **~ая у́лица** нотаниш кўча; **~ое чу́вство** нотаниш (илгари бошдан кечирилмаган) ҳис-туйғу; 2 нотаниш, илгари кўрмаган, бошдан кечирмаган, билмайдиган; **ему́ ~о чу́вство ску́ки** у зерикиш нима эканлигини билмайди; 3 нотаниш, ёт, бегона; **~ые лю́ди** нотаниш одамлар.

НЕЗНА́НИ/Е *с* билмаслик, билимсизлик; хабарсизлик, бехабарлик; **допусти́ть оши́бку по ~ю** билмаслик (билмаганлик) оқибатида хато қилиб қўймоқ; **~е жи́зни** ҳаётни билмаслик, ҳаётдан бехабарлик.

НЕЗНАЧА́ЩИЙ, -ая, -ее унча аҳамияти бўлмаган (йўқ), арзимайдиган, аҳамиятсиз, шунчаки; **~ разгово́р** шунчаки гап.

НЕЗНАЧИ́ТЕЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое; -лен -льна 1 унча кўп (катта) бўлмаган, озгина; бир оз, андак; **~ая су́мма** озгина сумма; **~ое большинство́** бир оз кўпчилик (мас., овоз беришда); 2 арзимас, арзимаган, арзимайдиган, аҳамиятсиз, анчаки, анчайин, жузъий, кичкина; **~ая причи́на** арзимаган сабаб, арзимас баҳона; **~ая про́сьба** кичкина илтимос; 3 кўзга ташланиб турмайдиган, эътибори йўқ, чакана, кўримсиз; **~ая вне́шность** кўримсиз қиёфа.

НЕЗРЕЛ/ЫЙ, -ая, -ое 1 етилиб пишмаган, етилмаган, хом, ғўр, думбул, **~ые фру́кты** хом (етилиб пишмаган) мевалар; 2 балоғатга (вояга) етмаган, нораста, ёш; **~ый па́рень** нораста бола, ўспирин; **~ый во́зраст** балоғатга етмаган ёш; 3 *перен.* камолотга етмаган, етук эмас, ёш, ғўр; **~ый писа́тель** камолотга етмаган ёзувчи; 4 *перен.* етилмаган, пишмаган, хом, хом-хатала; **~ые мы́сли** хом-хатала фикрлар; **~ое произведе́ние** хом асар.

НЕЗРИ́МЫЙ, -ая, -ое кўзга кўринмайдиган, сезилмайдиган, кўз илғамайдиган, пинҳон, яширин; **~ наблюда́тель** пинҳон кузатувчи.

НЕЗРЯЧИ/Й, -ая, -ее кўр, сўқир; **~й челове́к** кўр одам; **~е глаза́** сўқир кўзлар.

НЕЗЫБЛЕМ/ЫЙ, -ая, -ое 1 қўзғалмайдиган, қўзғалмас; **~ый утёс** қўзғалмас қоя; 2 маҳкам, мустаҳкам, қаттиқ, бузилмас, ўзгармас, пойдор, пишиқ; **~ая осно́ва** мустаҳкам негиз.

НЕИЗБЕ́ЖНО *нареч.* муқаррар равишда, муқаррар, турган гап, иложсиз, иложи йўқ, албатта.

НЕИЗБЕЖ/НЫЙ, -ая, -ое; -жен, -жна муқаррар, албатта юз берадиган, шак-шубҳасиз бўладиган; қочиб (қутулиб, олдини олиб) бўлмайдиган, ҳақ; **~ные тру́дности** олдини олиб бўлмайдиган қийинчиликлар; **крах капитали́зма ~ен** капитализм халокати муқаррардир.

НЕИЗБИ́Т/ЫЙ, -ая, -ое ишлатилавериб кўнгилга урмаган, сийқаси чиқмаган, янги; **~ое выраже́ние** сийқаси чиқмаган (янги) ибора.

НЕИЗВЕ́ДАННЫ/Й, -ая, -ое 1 текширилмаган, ўрганилмаган; **~е края́** текширилмаган ўлкалар; 2 синалмаган, бошдан кечирилмаган; кўрилмаган, синовдан (тажрибадан) ўтказилмаган; **~е чу́вства** бошдан кечирилмаган ҳис-туйғулар.

НЕИЗВЕ́СТНО *безл. в знач. сказ.* номаълум, маълуми (дараги) йўқ, маълум эмас; **~ кто** кимлиги номаълум, кимлигини ҳеч ким билмайди; **об э́том нам ничего́ ~** бу ҳақда биз ҳеч нарса билмаймиз.

НЕИЗВЕ́СТНОСТ/Ь *ж* 1 номаълумлик, маълуми (дараги) йўқлик; мажҳуллик; 2 бедараклик, дараги (номинишонаси) йўқлик; 3 донғи (оти) чиқмаганлик, маълум-машҳур эмаслик; 4 камтарин кун кечириш, овлоқдаги (панадаги) ҳаёт; **жить в ~и** овлоқда (панада) яшамоқ; ✦ **покры́то мра́ком ~и** *см.* **мрак.**

НЕИЗВЕ́СТН/ЫЙ, -ая, -ое; -тен, -тна 1 номаълум, нотаниш; мажҳул; ўрганилмаган; **~ый челове́к** номаълум (нотаниш) киши; **~ый край** нотаниш ўлка; ўрганилмаган ўлка; 2 нотаниш, ёт, бегона; **Го́рдость соверше́нно была́ ему́ ~а** (Гоголь) Такаббурлик унга тамоман ёт эди (у мутлақо такаббурликни билмас эди); 3 донг (шуҳрат)

www.ziyouz.com kutubxonasi

чиқармаган, танилмаган, номаълум; **~ый худо́жник** танилмаган рассом; **4** *в знач. сущ.* **~ый** *м*, **~ая** *ж* нотаниш одам; **5** *в знач. сущ.* **~ое** *с мат.* номаълум сон; **уравне́ние с одни́м ~ым** бир номаълумли тенглама.

НЕИЗГЛАДИ́МЫЙ, -ая, -ое *книжн.* **1** йўқотиб (кетказиб) бўлмайдиган, йўқолмайдиган, кетмайдиган, ўлмайдиган, ўчмас; **О́спа оста́вила ~е следы́ на его́ лице́** (Тургенев) Чечак унинг юзида ўчмас из қолдирди; **2** *перен.* унутилмас, унутиб (эсдан чиқариб) бўлмайдиган, абадий; **~е воспомина́ния** унутилмас хотиралар.

НЕИЗЛЕЧИ́М/ЫЙ, -ая, -ое тузатиб бўлмайдиган, давоси йўқ, бедаво; **~ая боле́знь** тузатиб бўлмайдиган касаллик, бедаво дард.

НЕИЗМЕ́ННЫ/Й, -ая, -ое; -е́нен, -е́нна 1 ўзгармайдиган, ўзгармас, доимий; доим бир ҳолда бўладиган, бир зайлда турадиган, ҳамишалик; **~е при́нципы** ўзгармас принциплар; **вести́ ~й о́браз жи́зни** доим бир хилда ҳаёт кечирмоқ, ҳамиша бир хил (бир зайлда) яшаш; **2** содиқ, вафодор, вафоли, садоқатли, ажралмас; **~й друг** содиқ дўст, ажралмас ўртоқ.

НЕИЗМЕНЯ́ЕМЫ/Й, -ая, -ое ўзгармайдиган, турланмайдиган; ўзгартириб (турлаб) бўлмайдиган; **~е слова́** турланмайдиган сўзлар.

НЕИЗМЕ́РИМО *нареч.* ўлчаб (солиштириб, қиёс қилиб) бўлмайдиган даражада, беқиёс, беҳад, анча; **произво́дство хло́пка в Узбекиста́не ~ вы́росло за после́дние го́ды** Ўзбекистонда пахта етиштириш сўнгги йилларда беқиёс ошди; **но́вый уче́бник ~ лу́чше пре́жнего** бу (янги) дарслик аввалгисидан беқиёс яхши.

НЕИЗМЕ́РИМ/ЫЙ, -ая, -ое ўлчаб (солиштириб, қиёс қилиб) бўлмайдиган, беқиёс; беҳад, жуда катта; **~ая глуби́на** ўлчаб бўлмайдиган чуқурлик; **~ые успе́хи** беқиёс ютуқлар.

НЕИЗУ́ЧЕННЫЙ, -ая, -ое ўрганилмаган, текширилмаган; **~ вопро́с** ўрганилмаган масала.

НЕИЗЪЯ́СНИМ/ЫЙ, -ая, -ое сўз билан тушунтириб (тасвирлаб) бўлмайдиган, тушунтириб бўлмас даражадаги; **~ое волне́ние** тушунтириб бўлмас даражадаги ҳаяжон.

НЕИМЕ́НИЕ *с:* **за ~м** *кого-чего* бўлмаганидан, йўқлигидан, бўлмагани учун, йўқлиги сабабли; **за ~м лу́чшего** яхшироғи бўлмаганидан, яхшироғи бўлмагани сабабли.

НЕИМОВЕ́РН/ЫЙ, -ая, -ое; -рен, -рна ҳаддан ташқари, фавқулодда, ғоят, жуда ҳам, ақл бовар қилмайдиган; **~ая сту́жа** ҳаддан ташқари совуқ; **~ое мно́жество** ҳаддан ташқари (беҳисоб) кўп; **~ое происше́ствие** ақл бовар қилмайдиган ҳодиса.

НЕИМУ́Щ/ИЙ, -ая, -ее камбағал, фақир, ночор, йўқсил, йўқ; **~е слои́ населе́ния** аҳолининг камбағал табақалари.

НЕИНТЕРЕСН/ЫЙ, -ая, -ое; -сен, -сна 1 қизиғи йўқ; **~ая кни́га** қизиғи йўқ китоб; **2** кўримсиз, хунук; **~ая вне́шность** кўримсиз қиёфа.

НЕИСКОРЕНИ́МЫ/Й, -ая, -ое йўқ қилиб (йўқотиб) бўлмайдиган, битириб (барҳам бериб, тузатиб) бўлмайдиган, тузалмас; **~е поро́ки** тузалмас иллатлар.

НЕИСКРЕ́ННИЙ, -яя, -ее; -е́нен, -е́нна 1 самимиятсиз, иккиюзлама, риёкор, мунофиқ; **~ челове́к** самимиятсиз одам; **2** носамимий, риёкорона, мунофиқона, сохта, ёлғондакам; **~ смех** риёкорона (сохта, ёлғондакам) кулги.

НЕИСКУШЕ́ННЫЙ, -ая, -ое бошидан кечирмаган, кўрмаган, яхши билмайдиган, беҳабар, тажрибасиз; **~ ю́ноша** тажрибасиз (турмуш тажрибасини кўрмаган) бола; **~ в поли́тике челове́к** сиёсатдан беҳабар одам.

НЕИСПОЛНИ́МЫ/Й, -ая, -ое бажариб (амалга ошириб, удда қилиб) бўлмайдиган; амалга ошмайдиган; пуч; **~е жела́ния** амалга ошириб бўлмайдиган истаклар; ушалмайдиган орзулар.

НЕИСПРАВИ́М/ЫЙ, -ая, -ое тузатиб (тўғрилаб) бўлмайдиган, тузалмайдиган, тузалмас; **~ая оши́бка** тузатиб (тўғрилаб) бўлмайдиган хато; **~ый лентя́й** тузалмас дангаса.

НЕИСПРА́ВНОСТЬ *ж* **1** бузуқлик, бузилганлик, шикастланганлик; **2** бузуқ (бузилган) жой; шикаст, бузуқ; **устрани́ть ~** шикастини (бузилган жойини) тузатмоқ.

НЕИСПРА́ВН/ЫЙ -ая -ое; -вен -вна 1 бузуқ, бузилган, шикастланган; **~ый механи́зм** бузуқ механизм; **2** жойида бўлмаган, издан чиққан; бошбошдоқ; **~ое хозя́йство** бошбошдоқ (издан чиққан) хўжалик; **3** тартиб-интизомни билмайдиган, ишни вақтида бажармайдиган, бетартиб; **~ый учени́к** бетартиб талаба; **~ый плате́льщик** интизомсиз (тўловларни ўз вақтида тўлаб турмайдиган) тўловчи.

НЕИССЯКАЕ́М/ЫЙ, -ая, -ое 1 суви қуримайдиган, тортилмайдиган, тўхтаб қолмайдиган; **~ый родни́к** суви қуримайдиган булоқ; **2** *перен.* битмас, битмас-туганмас, сира тамом бўлмайдиган, чексиз; **~ая эне́ргия** битмас-туганмас энергия; **~ые бога́тства** битмас-туганмас бойликлар.

НЕИСТОВСТВ/О *с* **1** қаттиқ жазава, ҳаяжон, ғазаб, жаҳл; қаттиқ жазаваси тутиш, ҳаяжонга келиш, ғазабланиш, дарғазаб бўлиш, тутақиб кетиш; **2** ваҳшат, ваҳшийлик; ёвузлик; **~а фаши́стов** фашистларнинг ёвузликлари.

НЕИСТОВСТВОВА/ТЬ *несов.* **1** қаттиқ жазаваси тутмоқ, ҳаяжонга келмоқ, ғазабланмоқ, дарғазаб бўлмоқ, тутақиб (қизишиб) кетмоқ; **зри́тели ~ли в восто́рге от игры́ актёров** актёрларнинг ўйинидан завққа тўлган томошабинлар зални бошига кўтариб гулдурос солишди; **2** шиддат билан бошланмоқ; кўтарилмоқ, қутурмоқ, ғазабига олмоқ; **на дворе́ ~ла бу́ря** ташқарида бўрон қутурмоқда эди; **3** ваҳшийлик (ёвузлик) қилмоқ; қутурмоқ; **поли́ция ~ла, разгоня́я демонстра́нтов** қутуриб кетган полиция намойишчиларни қувмоқда эди.

НЕИСТОВ/ЫЙ, -ая, -ое 1 жазава (ғазаб, ҳаяжон) ва ш. к. дан ўзини билмайдиган, ғазаби ошган, дарғазаб, тутақиб (қизишиб) турган, қутурган; **Во хмелю́ он был соверше́нно ~ и на друго́й день ничего́ не по́мнил** (Короленко) Ичганда у ўзини билмас, эртасига ҳеч нарсани эслай олмас эди; **2** жуда қаттиқ, шиддатли, қутурган; **~ый ве́тер** қутурган шамол; **~ый крик** қаттиқ қичқириқ.

НЕИСТОЩИ́М/ЫЙ, -ая, -ое 1 битмас-туганмас, тамом бўлмайдиган, беҳад кўп, жуда мўл; **~ая эне́ргия** сира тамом бўлмайдиган (битмас-туганмас) энергия; **2** бепоён, чексиз, охир-поёни йўқ; **~ая земля́** бепоён ер; **3** кўп биладиган; гапи (ҳикояси ва ҳ. к.) сира тугамайдиган, ичидан янги-янги гап (ҳикоя ва ҳ. к.) қайнаб чиқадиган; **~ый расска́зчик** кўп биладиган ҳикоячи.

НЕИСТРЕБИ́М/ЫЙ, -ая, -ое йўқ қилиб (битириб, йўқотиб) бўлмайдиган, чексиз, сўнмас; **~ая любо́вь** сўнмас муҳаббат.

НЕИСЦЕЛИ́М/ЫЙ, -ая, -ое даволаб бўлмайдиган, тузалмайдиган, бедаво; **~ая боле́знь** бедаво касаллик.

НЕИСЧЕРПАЕ́М/ЫЙ, -ая, -ое 1 битмас-туганмас, тамом бўлмайдиган, тугамайдиган; **~ые приро́дные бога́тства** битмас-туганмас табиий бойликлар; **2** *перен.* чексиз, беҳад; **~ая доброта́** беҳад яхшилик.

НЕИСЧИСЛИ́МЫ/Й, -ая, -ое сон-саноқсиз, беадад, беҳисоб, ҳисобига (саноғига) етиб бўлмайдиган, ҳисоби йўқ; **~е резе́рвы** беҳисоб резервлар.

НЕЙЛО́Н *м* нейлон.

НЕЙЛО́НОВ/ЫЙ, -ая, -ое нейлонга оид; нейлондан тайёрланган; нейлон...; **~ая руба́шка** нейлон кўйлак.

НЕИМЕ́Т *несов. уст.* ўтмайди; етмайди; **ви́дит о́ко, да зуб ~** *погов.* кўрмоқ бору, емоқ йўқ.

НЕИМЕ́ТСЯ *несов. безл. кому прост.* чидаб (ўзини тутиб, тийиб) туролмайди, қистаб (...гиси келиб) туради, жим (тинч) ўтиролмайди, тўймайди; **и что ему́ ~** нега у тинч (жим) туролмайди (ўтиролмайди); — **Сколько́ раз его́ дра́ли за бе́рство?** — **Четы́ре ра́за, а всё-таки ~** (Помяловский) Қочиб кетгани учун уни неча марта калтаклашди? — Тўрт марта, бари бир тўймайди.

НЕЙРОХИРУ́РГ *м* нейрохирург, нейрохирургия мутахассиси.

НЕЙРОХИРУРГИ́ЧЕСК/ИЙ, -ая, -ое нейрохирургияга оид, нейрохирургик, нейрохирургия...; **~ая кли́ника** нейрохирургия клиникаси.

НЕЙРОХИРУРГИ́Я *ж* нейрохирургия (хирургиянинг асаб касалликларини даволаш билан шуғулланувчи бўлими).

НЕЙТРАЛИЗА́ЦИЯ *ж* **1** нейтрализация, нейтрал (бетараф, холис) қилиб қўйиш; **~ террито́рии** территорияни нейтрал (холис) қилиб қўйиш; **2** таъсирини йўқотиш ёки

www.ziyouz.com kutubxonasi

бараварлаш; 3 *хим.* нейтрализация, нейтраллаш (нейтралланиш) реакцияси (эритмага ишқор қўшиб, унинг кислоталик хусусиятини ёки кислота қўшиб, ишқорлик хусусиятини йўқотиш).

НЕЙТРАЛИЗОВА́ТЬ, -зу́ю, -зу́ешь *сов.* и *несов. кого-что* 1 нейтрал ҳолатга келтирмоқ, нейтрализация қилмоқ, бетараф (холис) қилиб қўймоқ; ~ **государ́ство** давлатни нейтрализация (бетараф) қилмоқ; 2 таъсири ўтмайдиган қилиб қўймоқ, таъсирини кесмоқ; ~ *чьё-л.* **влия́ние** бировнинг таъсирини кесмоқ, таъсири ўтмайдиган қилиб қўймоқ; 3 *хим.* нейтрализацияламоқ, нейтралламоқ; ~ **раство́р** эритмани нейтралламоқ.

НЕЙТРАЛИЗОВА́ТЬСЯ, -зу́ется 1 *сов.* и *несов.* нейтрал (холис, бетараф) бўлмоқ; 2 *несов. страд. от* **нейтрализова́ть.**

НЕЙТРАЛИТЕ́Т *м* нейтралитет, бетарафлик, холислик; **нару́шить** ~ нейтралитетни (бетарафликни) бузмоқ; ✦ **вооружённый** ~ қуролли нейтралитет (урушга шай бўлса-да, нейтралликка риоя қилиш, бетараф туриш); **позити́вный** ~ позитив нейтралитет, ҳарбий иттифоқларга қўшилмаслик.

НЕЙТРА́ЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое; -лен, -льна 1 нейтрал, бетараф, холис; ~**ые стра́ны** нейтрал (бетараф) мамлакатлар; ~**ая террито́рия** нейтрал (холис) территория; 2 нейтрал (ёмон ҳам, яхши ҳам таъсир қилмайдиган; фойдали ҳам, зарарли ҳам эмас); ~**ые лека́рства** нейтрал дорилар; 3 *хим.* нейтрал (кислотали реакция ҳам, ишқорий реакция ҳам бермайдиган); ~**ый раство́р** нейтрал эритма.

НЕЙТРО́Н *м физ.* нейтрон.

НЕЙТРО́ННЫЙ, -ая, -ое нейтронга оид; нейтрон...; ~**ая бо́мба** нейтрон бомба.

НЕКАЗИ́СТЫЙ, -ая, -ое кўримсиз, кўрксиз, хунук, ажива, бадбашара; ~ **па́рень** кўримсиз йигит; ~ **дом** кўрксиз уй.

НЕКАПИТАЛИСТИЧЕСК/ИЙ, -ая, -ое нокапиталистик; **стра́ны, вста́вшие на путь** ~**ого разви́тия** нокапиталистик тараққиёт йўлига ўтган мамлакатлар.

НЕКВАЛИФИЦИ́РОВАННЫЙ, -ая, -ое 1 малакаси (ёки ихтисоси) йўқ, малакасиз; ~ **рабо́чий** малакасиз (ёки ихтисоси йўқ) ишчи; 2 махсус малака талаб қилмайдиган; ~ **труд** махсус малака талаб қилмайдиган иш.

НЕК/ИЙ, -ая, -ое *мест. неопр.* 1 биров, қандайдир бир киши, аллаким, ...деган одам; **ва́ми интересова́лся** ~**ий Ивано́в** қандайдир Иванов деган одам сизни сўраган эди; 2 *то же, что* **не́который** 1; **нас разделя́ло** ~**ое расстоя́ние** бизни қандайдир масофа ажратиб турарди.

НЕ́КОГДА I *нареч. в знач. сказ.* вақт (фурсат) йўқ, қўл тегмайди; **ему́** ~ **гуля́ть** уни сайр қилишга вақти йўқ.

НЕКОГДА II *нареч.* бир вақтлар, бир замонлар, қачонлардир; бир замонда; ~ **здесь был лес** бир вақтлар бу ерда ўрмон бор (бўлган) эди.

НЕ́КОГО, не́кому, не́кем, не́ у кого, не́ к кому, не́ с кем, не́ о ком *мест. отриц.* ҳеч ким; **мне не́ с кем поговори́ть об э́том** бу тўғрида гаплришай десам ҳеч ким йўқ; ~ **да́же спроси́ть** сўрай деса ҳеч ким йўқ, сўрайдиган одам йўқ.

НЕКОЛЕБИ́М/ЫЙ, -ая, -ое *книжн. то же, что* **непоколеби́мый;** ~**ая во́ля** мустаҳкам ирода.

НЕКОМПЕТЕ́НТН/ЫЙ, -ая, -ое; -тен, -тна 1 тўла (етарли) маълумотга эга бўлмаган, унча яхши билмайдиган, бехабар, омил (омилкор) эмас; ~**ый врач** унча яхши билмайдиган врач; 2 бирор масалани ҳал қилишга ҳақли эмас, ҳақи (компетенцияси) йўқ; ~**ая инста́нция** компетенцияга эга бўлмаган инстанция.

НЕКОМПЛЕ́КТН/ЫЙ, -ая, -ое; -тен, -тна норасо, нотўла, нокомплект, тўла (бут) бўлмаган, тўлиқ эмас; ~**ое обору́дование** нотўла асбоб-ускуна.

НЕКОРРЕ́КТН/ЫЙ, -ая, -ое; -тен, -тна 1 беадаб, қўпол муомала(ли); назокатсиз; хунук; ~**ый челове́к** қўпол муомала одам; ~**ое поведе́ние** хунук юриш-туриш; 2 *шахм.* хато, янглиш, нотўғри; ~**ый ход** хато (нотўғри) юриш.

НЕ́КОТОР/ЫЙ, -ая, -ое *мест. неопр.* 1 бир оз, бирмунча, бир қанча; бир қадар, қандайдир; **с** ~**ых пор** бирмунча (бир қанча) вақтдан бери; 2 баъзи, баъзи бир; **в** ~**ых райо́нах го́рода** шаҳарнинг баъзи районларида; 3 бир оз, озгина, арзимаган; **отложи́ть** ~**ую су́мму на непредви́денные расхо́ды** озгина пулни кутилмаган харажатлар учун ажратиб қўймоқ; ✦ **в** ~**ом ро́де** *см.* **род II;** ~**ым о́бразом** *шутл.* маълум даражада; **он** ~**ым о́бразом ора́тор** у маълум даражада нотиқ.

НЕКРАСИ́В/ЫЙ, -ая, -ое 1 хунук, кўримсиз, кўрксиз, ажива, таъвия, чиройли эмас; ~**ая вне́шность** кўримсиз қиёфа; ~**ый по́черк** хунук хат; бадхат; 2 қулоққа ёқмайдиган, ёқимсиз, хунук; ~**ый го́лос** ёқимсиз овоз; 3 ёмон, хунук, келишмаган, ножўя, ярамас; номуносиб; ~**ый посту́пок** хунук иш, ярамас хатти-ҳаракат; ~**ое поведе́ние** ножўя юриш-туриш.

НЕКРЕДИТОСПОСО́БНЫЙ, -ая, -ое; -бен, -бна қарзини тўлай олмайдиган, карз тўлашга қурби етмайдиган (қодир эмас); ~ **должни́к** қарзини тўлай олмайдиган қарздор.

НЕКРЕ́ПК/ИЙ, -ая, -ое; -пок, -пка́, -пко 1 пишиқ (пухта, мустаҳкам) эмас, чидамсиз, бўш, жонсиз, жони йўқ; бепанд; ~**ая ткань** чидамсиз газлама; ~**ий лёд** бўш (синиб кетадиган) муз; 2 бедармон, беқувват, заиф, нимжон; **челове́к** ~**ого здоро́вья** соғлиги заиф одам; ~**ое телосложе́ние** беқувват (нимжон) гавда; 3 кучсиз, суюқ; ~**ий чай** суюқ чой; ~**ий таба́к** кучсиз тамаки; ~**ое вино́** кучсиз вино.

НЕКРИТИ́ЧЕСК/ИЙ, -ая, -ое танқидий кўз билан қаралмаган (ёндошилмаган), танқидий эмас; ~**ое отноше́ние к де́лу** ишга танқидий кўз билан қарамаслик.

НЕКРИТИ́ЧНЫЙ, -ая, -ое; -чен, -чна *то же, что* **некрити́ческий.**

НЕКРОЛО́Г *м* некролог, таъзиянома.

НЕКРО́ПОЛЬ *м* 1 некрополь, қабристон (Қадимги Шарқда, антик мамлакатларда); 2 некрополь (машҳур кишилар қабри).

НЕКСТА́ТИ *нареч.* бевақт, бемаҳал, бемаврид; ноўри́н, ўринсиз; **прийти́** ~ бевақт (бемаврид) келмоқ; **сказа́ть** *что-л.* ~ ўринсиз гап айтмоқ; **э́то** ~ бунинг вақти (мавриди) эмас; **кста́ти и** ~ тўғри келса келмаса; ёпишса-ёпишмаса.

НЕКТА́Р *м* 1 *миф.* оби ҳаёт, ҳаёт суви (худоларга гўё абадий ёшлик ва гўзаллик бахш этадиган ичимлик); 2 *перен.* асалдай тотли ичимлик; 3 *бот.* нектар, гулшира, гул шираси (ўсимликлар гули безидан-ширадонидан чиқадиган шира).

НЕКТА́РНИК *м бот.* нектарник, ширадон (ўсимлик гулининг нектар чиқарадиган бези).

НЕ́КТО *мест. неопр.* 1 биров, қандайдир бир киши, бир кимса; **пришёл** ~ **в се́ром** кул ранг кийимли қандайдир бир киши келди; 2 қандайдир, ...деган бир (нотаниш одам фамилияси ёки исмига қўшиб айтилади); ~ **Ивано́в** қандайдир Иванов; Иванов деган бир киши.

НЕ́КУДА *нареч.* 1 ҳеч қаерга, ҳеч қаёққа; ...диган жой йўқ; **ему́** ~ **идти́** унинг борадиган жойи йўқ; ~ **дева́ться от жары́** иссиқдан қочадиган жой йўқ; иссиқдан қаёққа қочишни билмайсан; 2 *разг.* сифат ё равишларнинг қиёсий даражаси билан бирикиб, улар орқали ифодаланган хусусият, миқдор ва ш. к. нинг энг охирги чегарасини ифодалайди; **бо́льно?— Больне́е** ~ оғрияптими?— Оғриганда қандай; оғриганда ҳам шундай оғрияптики, нарёги йўқ; ✦ **де́ться** ~ *см.* **де́ться; да́льше (е́хать)** ~ *см.* **да́льше; плю́нуть** ~ *см.* **плю́нуть; торопи́ться** (или **спеши́ть**) ~ шошиладиган ери йўқ; шошилмаса ҳам бўлади; шошилиб қаерга ҳам борарди(к).

НЕКУЛЬТУ́РНОСТЬ *ж* 1 маданиятсизлик, маданиятдан орқада қолганлик, қолоқлик, бадавийлик; **борьба́ с** ~**ю** маданиятсизликка қарши кураш; 2 маданиятсизликдан келиб чиқадиган (маданиятсизлик орқасидаги) ҳол, номаданийлик; ~ **поведе́ния** юриш-туришнинг номаданийлиги.

НЕКУЛЬТУ́РН/ЫЙ, -ая, ое; -рен, -рна 1 маданиятсиз, маданиятдан орқада қолган, қолоқ, бадавий; ~**ый челове́к** маданиятсиз одам; 2 маданиятсизликдан келиб чиқадиган, маданиятсизлик орқасидаги, номаданий, маданиятсизларча; ~**ое отноше́ние** *к чему-л.* маданиятсизларча муносабат; 3 ёввойи: ~**ые расте́ния** ёввойи ўсимликлар.

НЕКУРЯЩ/ИЙ, -ая, -ее 1 чекмайдиган, чекмовчи, қашанда эмас; ~**ий челове́к** чекмайдиган (тамаки чекмайди-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ган) одам; 2 *сущ.* **~ий** *м;* **~ая** *ж* чекмовчи; **вагóн для ~их** чекмовчилар учун белгиланган вагон, чекмовчилар вагони.

НЕЛАДНО 1 *нареч.* ўринлатмай, келиштирмай, беўхшов; **~ скрóен, да крéпко сшит** *погов.* бичими келишмаган бўлса ҳам, ўзи пишиқ (чидамли); 2 *нареч. разг.* кўнгилдагидек эмас, ёмон; **делá пошлú ~** ишлар ёмон боряпти (яхши бормаяпти); **~ склáдывается их жизнь** уларнинг ҳаёти яхши бўлмаяпти; 3 *в знач. сказ.* пачава, ёмон, чатоқ, ишкал, мазаси йўқ; яхши (жойида) эмас; бетинч, нотинч; **что-то тут ~!** бу ерда бир ишкал бор; **у них дóма ~** уларнинг оиласи бетинч.

НЕЛАДН/ЫЙ, -ая, -ое; -ден, -дна 1 *разг.* кўнгилдагидек (яхши, жойида) бўлмаган; пачава, ёмон, нохуш; **~ые делá** кўнгилдагидек бўлмаган ишлар; ёмон (нохуш) ишлар; 2 *в знач. сущ.* **~ое** *с* кўнгилдагидек бўлмаган иш, чатоқ (ишкал) иш; ишкаллик, чатоқлик; **произошлó что-то ~ое** бир чакки иш юз берганга ўхшайди; 3 бесўнақай, кўримсиз, беўхшов, келишмаган; **~ое сложéние** бесўнақай жусса; ✦ **будь он (онá, онó) нелáден (нелáдна, нелáдно)!** қуриб кетгур!; қуриб кет(син)!

НЕЛАДЫ *мн. разг.* 1 ора бузуқлик, чиқишмовчилик, келишмовчилик; низо, жанжал, можаро; **семéйные ~** оилавий можаролар; 2 кўнгилсизлик, бахтсизлик; камчилик; кам-кўст; **устранúть ~** камчиликларни бартараф қилмоқ; 3 нуқсон, бузуқлик, шикаст.

НЕЛЕГАЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое; -лен, -льна нолегал, яширин, махфий; **~ая газéта** нолегал (яширин, махфий) газета; **~ое положéние** яширин (нолегал) ҳолат.

НЕЛЕГК/ИЙ, -ая, -ое; -гок, -гкá, -гкó 1 вазмин, анча (хийла) оғир; **~ий груз** хийла оғир юк; 2 қийин, мушкул; машаққатли, осон эмас; **~ий труд** қийин иш; **~ая задáча** қийин масала; оғир вазифа; **~ая побéда** қийинчилик билан эришилган (эришиладиган) ғалаба; **~ая судьбá** оғир қисмат; ✦ **~ая несёт** (или **принеслá, занеслá** и т. п.) *кого прост.* қаердан ҳам келиб қолди; кўз учиб турганмиди.

НЕЛЕГКО 1 *нареч.* қийинлик (қийинчилик) билан; оғир меҳнат (азоб-уқубат ва ҳ. к.) эвазига; анча қийин, мушкул; **~ идтú по гололéдице** яхмалакда юриш анча қийин (осон эмас); 2 *безл. в знач. сказ. кому* оғир, азоб; осон эмас; осон тутиб бўлмайди; **емý ~** унга қийин (бўлди); унга осон эмас; унга осон тутиб бўлмайди.

НЕЛЕПИЦА *ж разг. то же, что* **нелéпость** 2.

НЕЛЕПОСТ/Ь *ж* 1 бемаънилик, тутуриқсизлик; **~ь положéния** аҳволнинг бемаънилиги; 2 бемаъни иш (гап, хатти-ҳаракат ва ҳ. к.); сафсата; **перестáньте говорúть ~и!** бемаъни гапларни қўйинг!

НЕЛЕПЫ/Й, -ая, -ое 1 бемаъни, келишмаган, куракда турмайдиган; тутуриқсиз; **~е вопрóсы** бемаъни саволлар; **~й постýпок** бемаъни иш; 2 бесўнақай, беўхшов, келишмаган; **~й вид** келишмаган қиёфа.

НЕЛЕСТН/ЫЙ, -ая, -ое; -тен, -тна маъқулламайдиган, салбий, ёмон; **~ая характерúстика** салбий (ёмон) характеристика; 2 ёқмайдиган, хуш келмайдиган, номақбул; **~ое предложéние** номақбул таклиф.

НЕЛЁТН/ЫЙ, -ая, -ое учиб бўлмайдиган, учмайдиган (об-ҳаво ҳақида); **~ая погóда** учиб бўлмайдиган об-ҳаво.

НЕЛИКВИД *м спец.* неликвид (бирор корхонада ишлатилмай ётган, бинобарин бошқа корхоналарга сотилиши, ўтказилиши лозим бўлган материал ва хом ашёлар); **продáжа ~ов** неликвидларни сотиш.

НЕЛИКВИДНЫЙ, -ая, -ое неликвидга оид; неликвиддан иборат бўлган; неликвид...; **~ фонд** неликвид фонд.

НЕЛИЦЕПРИЯТН/ЫЙ, -ая, -ое; -тен, -тна адолатли, ҳаққоний, ён босмайдиган, юз-хотир (раъя-андиша) қилмайдиган; **~ая крúтика** адолатли танқид; юз-хотирга бормасдан қилинган танқид.

НЕЛИШНЕ *нареч. в знач. сказ. с неопр.* ортиқчалик (зарар) қилмайди, чакки (ёмон) бўлмайди; фойдадан холи эмас; **~ ещё раз предупредúть** яна бир марта айтиб (огоҳлантириб) қўйилса, ёмон бўлмайди.

НЕЛИШН/ИЙ, -яя, -ее керак, керакли, фойдали, фойдадан холи эмас, керак бўлиб (асқотиб, яраб) қоладиган; **~яя в хозя́йстве вещь** хўжаликка керак(ли) нарса.

НЕЛОВК/ИЙ, -ая, -ое; -вок, -вкá, -вко 1 қўпол, қовушмаган, бесўнақай; чаққон (эпчил) эмас; **~ий пáрень** қовушмаган йигит; **~ое движéние** қўпол (қовушмаган) ҳаракат; 2 ноқулай, нобоп, ўнғайсиз; **~ий дивáн** ноқулай диван; 3 ўнғайсиз, оғир, мушкул, қийин, хижолатли; **попáсть в ~ое положéние** ўнғайсиз аҳволга тушиб қолмоқ.

НЕЛОВКО 1 *нареч.* қўполлик билан, қовушмай, нобоп; **~ прúгнуть** нобоп сакрамоқ; 2 *безл. в знач. сказ. кому* ноқулай, ўнғайсиз, хижолатли, уят; **~ сидéть без дéла** ишсиз ўтириш ноқулай; **мне бúло ~ за опоздáние** кечикканим учун хижолат тортдим.

НЕЛОВКОСТЬ *ж* 1 қўполлик, бесўнақайлик, қовушмаганлик; **~ движéний** ҳаракатларнинг қовушмаганлиги; 2 қўпол иш, ҳаракат; **совершúть ~** қўпол иш қилмоқ; 3 ноқулай (ўнғайсиз) аҳвол, ўнғайсизлик, хижолат; **почýвствовать ~** хижолат тортмоқ.

НЕЛОГИЧН/ЫЙ, -ая, -ое; -чен, -чна мантиқсиз, мантиқи йўқ, бемантиқ; **~ое сужде́ние** бемантиқ муҳокама; **~ый постýпок** мантиқсиз ҳаракат.

НЕЛЬЗЯ *нареч. в знач. сказ.* 1 мумкин эмас, иложи (имкони) йўқ; бўлмайди; **без водú жить ~** сувсиз яшаб бўлмайди; **~ не признáть** тан олмаслик мумкин эмас, тан олмасдан бўлмайди, тан олмай иложи йўқ; 2 мумкин эмас, ман этилади (этилган), тақиқланади (тақиқланган), мамну; ярамайди; **по газóнам ходúть ~** гулзордан юриш ман этилади; ✦ **~ ли...** ...са бўладими, иложи йўқми, бемалол бўлса; **~ли вас попроси́ть?** сиздан илтимос қилса бўладими?; **~ сказáть, чтóбы...** ...деб бўлмайди; **~ сказáть, чтóбы он был прав** уни ҳақли деб бўлмайди.

НЕЛЬМА *ж* нельма (лосослар оиласига мансуб балиқ).

НЕЛЮБЕЗНЫЙ, -ая, -ое; -зен, -зна дағал, қўрс, совуқ, илтифотсиз, бемеҳр.

НЕЛЮБОВЬ *ж* ёқтирмаслик, хуш кўрмаслик, ёмон кўриш.

НЕЛЮДИ *мн. обл.* ёмон одамлар, ярамаслар.

НЕЛЮДИ́М *м* кишиларга аралашмайдиган одам, одамови, ёввойи.

НЕЛЮДИ́МКА *ж, р. мн.* **-мок** *см.* **нелюди́м.**

НЕЛЮДИ́МЫЙ, -ая, -ое 1 кишиларга аралашмайдиган, одамови, ёввойи; **~ человéк** кишиларга аралашмайдиган одам; **~ хара́ктер** одамовилик; 2 хилват, одам яшамайдиган, ҳеч ким йўқ; **~ бéрег** одам яшамайдиган қирғоқ.

НЕМА́ЛО *нареч.* оз (озмунча) эмас, анчагина, анча кўп, талай, бирталай; **в рабóте ~ оши́бок** ишда анчагина хатолар бор; **~ врéмени прошло́ с тех пор** ўшандан бери анча вақт ўтди; **~ потруди́лись** озмунча меҳнат қилмадик.

НЕМА́ЛОВАЖНЫЙ, -ая, -ое; -жен, -жна анча аҳамиятга эга бўлган, анча аҳамиятли; **~ фа́кт** анча аҳамиятли факт.

НЕМА́Л/ЫЙ, -ая, -ое 1 оз (озмунча) эмас, анча катта (кўп), анчагина, каттагина, кўпгина; **~ый путь** анчагина йўл; **~ый срок** каттагина муддат; **~ая су́мма** каттагина сумма; **прило́жены ~ые уси́лия** озмунча куч сарф бўлган эмас; 2 анчагина эътиборли, нуфузли, муҳим, катта.

НЕМЕ́ДЛЕННО *нареч.* ошиғич равишда, дарҳол, тезлик (зудлик) билан, кечиктирмай, ...биланоқ, ...ҳамон(о), заҳоти; **~ дать отвéт** дарҳол (кечиктирмай) жавоб бермоқ; **~ по прибы́тии** келиши биланоқ, келган ҳамон (заҳотн).

НЕМЕ́ДЛЕННЫ/Й, -ая, -ое дарҳол (тез, кечиктирмасдан) қилинадиган (қилинган), кечиктириб бўлмайдиган, ошиғич, тез; **приня́ть ~е ме́ры** ошиғич чоралар кўрмоқ (қабул қилмоқ).

НЕМЕ́ДЛЯ *нареч.* дарҳол, тезлик (зудлик) билан, кечиктирмай; **вам на́до ~ пое́хать** сиз дарҳол жўнашингиз керак.

НЕМЕРКНУЩ/ИЙ, -ая, -ее *прям.* и *перен. высок.* ўчмайдиган, сўнмайдиган, доим нур сочиб турадиган, сўнмас; **~ий свет** сўнмас нур; **~ая сла́ва** сўнмас шон-шуҳрат; **~ие иде́и лениниз́ма** ленинизмнинг сўнмас ғоялари.

НЕМЕТА́ЛЛЫ *мн.* (*ед.* **неметáлл** *м*) нометаллар, металлмас моддалар.

НЕМЕ́/ТЬ *несов.* 1 соқов (гунг) бўлиб қолмоқ, тилдан қолмоқ; 2 *перен.* серрайиб (анқайиб) қолмоқ; қотиб қолмоқ; **~ть от восто́рга** завқланиб қотиб олмоқ; 3 *перен.*

www.ziyouz.com kutubxonasi

увушмоқ, ўвушиб (қотиб) қолмоқ; **па́льцы ~ют от хо́лода** совуқдан бармоқлар увушиб қоляпти.

НЕМЕЦ *м, р.* **-мца** немис; *см.* **не́мцы.**

НЕМЕЦКИЙ, -ая, -ое немисларга оид; немисча; немис(лар)...; **~ язы́к** немис тили.

НЕМИЛОСЕ́РДНО *нареч.* 1 шафқатсизлик (раҳмсизлик) билан, бешафқат, беомон; аёвсиз, аямай, раҳмсизларча; **~ издева́ться** *над кем-л.* бешафқат таҳқир қилмоқ; 2 жуда ҳам, ғоят даражада, ҳаддан ташқари, жуда қаттиқ, аёвсиз; **со́лнце пали́т ~** офтоб аёвсиз куйдиряпти.

НЕМИЛОСЕ́РДНЫЙ, -ая, -ое; -ден, -дна 1 *уст.* раҳмшафқатни билмайдиган; бераҳмлик (шафқатсизлик) билан қилинган, қаҳри қаттиқ, бераҳм, тошкўнгил, тошюрак, бағри тош; шафқатсиз; **~пала́ч** шафқатсиз жаллод; **~ посту́пок** бераҳмлик билан қилинган иш; бераҳмлик, бешафқатлик; 2 *перен. разг.* ҳаддан ташқари, жуда қаттиқ, ниҳоятда (бениҳоят) зўр; **~ моро́з** ҳаддан ташқари (жуда қаттиқ) совуқ.

НЕМИ́ЛОСТЬ *ж уст.* бировни ёқтирмай қолиш, хуш кўрмаслик; **впасть в ~ь** ёмон кўриниб қолмоқ, ғазабига учрамоқ; **быть в ~и** *у кого-н.* ёқмай қолмоқ, хуш келмай қолмоқ.

НЕМИ́Л/ЫЙ, -ая, -ое *нар.-поэт.* 1 севимсиз, севилмаган, хуш кўрилмаган, кўнгилга ёқмайдиган; нохуш; **~ый челове́к** севимсиз киши; **~ая сторона́** кўнгилга ёқмайдиган юрт; 2 *в знач. сущ.* **~ый** *м,* **~ая** *ж* севимсиз (севилмаган) киши; **вы́дали за́муж за ~ого** (қизни) севилмаган кишига узатишди.

НЕМИНУЕМ/ЫЙ, -ая, -ое четлаб ўтиб (қочиб, қутулиб) бўлмайдиган, муқаррар (шак-шубҳасиз) бўладиган; **~ая встре́ча** шубҳасиз бўладиган учрашув; **капитали́зм обречён на ~ую ги́бель** капитализмнинг ҳалок бўлиши муқаррардир.

НЕ́МКА *ж, р. мн.* **-мок** немис аёл; *см.* **не́мцы.**

НЕМНО́Г/ИЙ, -ая, -ое 1 оз, озгина, бир-икки, баъзи; **в ~их слова́х** бир-икки (бир неча) оғиз сўз билан, қисқа (лўнда) қилиб; **в ~их города́х** баъзи шаҳарларда; 2 *в знач. сущ.* **~ие** *мн.* баъзилар, баъзи бировлар, баъзи одамлар, озгина кишилар; **об э́том зна́ют ~ие** буни баъзи одамларгина билади; 3 *в знач. сущ.* **~ое** *с* бир оз нарса, озгина нарса; **забы́л то ~ое, что знал** билган озгина нарсани ҳам унутиб қўйди(м); 4 **~им** сал, андак, бир оз: **~им лу́чше** сал (андак, бир оз) дуруст; **~им бо́льше** сал (андак, бир оз) кўп (катта); ✦ **за ~им де́ло ста́ло** иш арзимаган нарсага қараб колди.

НЕМНО́ГО *нареч.* 1 озгина, бир оз, андак, сал, салпал; **он ~ ста́рше меня́** у мендан сал катта; **~ уста́л** бир оз чарчади(м); 2 оз миқдорда, қиттак, жиндак, кўп эмас; **~ со́ли** жиндак туз; **вы́пить ~ воды́** озгина сув ичмоқ; **у него́ ~ друзе́й** унинг ўртоқлари кўп эмас; 3 бир оз (қисқа) вақт, андак; **~ отдохну́ть** андак дам олиб олмоқ; 4 *в знач. сказ.* озгина, оз; **э́то совсе́м ~** бу жуда оз; бу ҳеч нарса бўлмайди (озлик қилади), **до аэродро́ма оста́лось ~** аэродромга оз (яқин) қолди.

НЕМНОГОСЛО́ВНЫЙ, -ая, -ое; -вен, -вна 1 бир-икки оғиз сўз билан ифодаланган, қисқа, лўнда, мухтасар; **~ отве́т** қисқа (лўнда) жавоб; 2 камгап; камсухан; **~ челове́к** камгап одам.

НЕМНОГОЧИ́СЛЕНН/ЫЙ, -ая, -ое унча кўп (катта) эмас; сони (одами) кам; озгина, кичкина; **~ые зри́тели** озгина томошабинлар; **~ый отря́д** одами оз отряд; кичкина отряд; **Семе́йство, в кото́ром роди́лся слепо́й ма́льчик, бы́ло ~о** (Короленко) Кўр бола туғилган оила унча катта эмас эди.

НЕМ/О́Й, -а́я, -о́е 1 соқов, гунг, гунгалак, тилсиз; **~о́й ребёнок** соқов бола; 2 *в знач. сущ.* **~о́й** *м,* **~а́я** *ж* соқов одам; соқов; **~о́й от рожде́ния** туғма соқов; **шко́ла для ~ы́х** соқовлар мактаби; 3 овозсиз, сўзсиз, яширин, пинҳон, дилдаги, ички; **~ы́е страда́ния** ичдан куйиш (куйиниш); ичга ютилган азоб-уқубатлар; 4 *перен.* овозсиз, товушсиз, жимжит; **вокру́г ~а́я тишина́** атроф сув сепгандай жимжит; ✦ **~а́я ка́рта** ёзувсиз карта; **~о́е кино́** (или **фильм**) овозсиз кино; **~** (или **~о́й**) **как ры́ба** (или **моги́ла**) индамас; индамайди, миқ этмайди, оғзига сув (ёки сўк) олгандай жим, гунг.

НЕМОЛОДО́Й, -а́я, -о́е унча ёш эмас, ўрта ёшлардаги, ўрта яшар.

НЕМО́ЛЧНЫЙ, -ая, -ое *уст.* и *высок.* жимимайдиган, тинмайдиган, узлуксиз; **~ го́вор волн** тўлқинларнинг тинмас шовқини.

НЕМОТ/А́ *ж* гунглик, соқовлик, тилсизлик; **страда́ть ~о́й от рожде́ния** туғилишдан соқов бўлмоқ.

НЕ́МОЧЬ *ж прост. то же, что* **не́мощь;** ✦ **бле́дная ~** *мед.* камқонлик, қонсизлик (хотин-қизларда).

НЕ́МОЩН/ЫЙ, -ая, -ое; -щен, -щна бедармон, бемажол, беқувват, дармонсиз, мажолсиз; ожиз; нимжон, заиф, мункиллаган; **~ая стару́ха** бемажол кампир; **~ый ста́рец** мункиллаган чол; **~ый крик** нимжон чинқириқ.

НЕ́МОЩ/Ь *ж разг.* бедармонлик, бемажоллик, дармонсизлик, ожизлик, дард, касал, касаллик; **ста́рческие ~и** қарилик касалликлари

НЕМУДРЕНО́ *нареч. в знач. сказ.* ажаб эмас, қийин (ҳеч гап) эмас, табиий, осон; **так ~ и заболе́ть** бу аҳволда касал бўлиб қолиш ҳеч гап эмас; **~, что он э́того не зна́ет** буни у билмаса ажаб эмас.

НЕМУДРЁН/ЫЙ, -ая, -ое 1 *разг.* қийин (мураккаб) эмас, осон, оппа-осон, жўн, содда; **~ое де́ло** оппа-осон иш; **зада́ча оказа́лась ~ой** масала жўн экан; 2 содда; соддадил; **~ый челове́к** содда (соддадил) одам.

НЕМУДРЯЩИЙ, -ая, -ее *прост.* жуда оддий, оппа-осон, жўн.

НЕ́МЦЫ *мн. (ед.* **не́мец** *м,* **не́мка** *ж)* немислар, немис халқи.

НЕМЫСЛИМ/ЫЙ, -ая, -ое ақлга сиғмайдиган (тўғри келмайдиган), ақл бовар қилмайдиган, тасаввур қилиб бўлмайдиган, мумкин бўлмаган, бўлиши мумкин эмас, маҳол: **~ые тру́дности** ақлга тўғри келмайдиган (сиғдириб бўлмайдган) қийинчиликлар; **[Морякй] де́ржался до после́днего, изумля́я врага́ ~ой, непоня́тной ему́ сто́йкостью** (Л. Соболев) [Денгизчилар] охиригача туриш бериб, душманни унинг ақлига сиғмайдиган, ақли бовар қилмайдиган матонатлари билан ҳайратга соладилар.

НЕНАВИ́ДЕТЬ, -и́жу, -и́дишь *несов. кого-что* жуда ёмон кўрмоқ, нафрат билан қарамоқ; **~ врага́** душманга нафрат билан қарамоқ.

НЕНАВИ́СТНИК *м* 1 ёмон кўрувчи (нафрат билан қаровчи) одам, душман; 2 *уст.* ёмон кўрилган одам, манфур.

НЕНАВИ́СТНИЦА *ж см.* **ненави́стник.**

НЕНАВИ́СТН/ЫЙ, -ая, -ое; -тен, -тна манфур, жирканч, нафратни келтирадиган; **~ый враг** манфур душман; **~ое де́ло** жирканч иш, кимса жуда ёмон кўрадиган иш.

НЕ́НАВИСТЬ *ж* нафрат, нафрат билан қараш, душманлик; **пита́ть ~ к** *кому-л.* нафратланмоқ, нафрат кўзи билан қарамоқ.

НЕНАГЛЯ́ДН/ЫЙ, -ая, -ое 1 киши қараб тўймайдиган, дийдорига (қараб) тўйиб бўлмайдиган; **~ая красота́ де́вичья** қизнинг қараб тўйиб бўлмайдиган гўзаллиги; 2 севикли; қимматли, азиз; **~ая дочь** севикли қиз; 3 *в знач. сущ.* **~ый** *м,* **~ая** *ж* севгили, маҳбуб, маҳбуба; жону дил; нури дийда; **~ый мой!** севгилим!; жону дилим!; нури дийдам!

НЕНАДЁВАННЫ/Й, -ая, -ое *разг.* кийилмаган, янги; **~е бро́ки** кийилмаган шим, янги шим.

НЕНАДЕ́ЖН/ЫЙ, -ая, -ое; -жен, -жна 1 ишониб (орқа қилиб) бўлмайдиган, ишончсиз, инобатсиз; **~ый проводни́к** ишониб бўлмайдиган йўл кўрсатувчи; **~ые све́дения** ишончсиз (инобатсиз) маълумотлар; **~ое укры́тие** ишониб бўлмайдиган (хавфли) бошпана; 2 мустаҳкамлиги шубҳали, бепанд, жонсиз, бўш, ишониб бўлмайдиган; **~ая верёвка** бўш арқон.

НЕНАДО́БНОСТЬ *ж* нокераклик, кераксизлик, кераги (ҳожати) йўқлик, эҳтиёж йўқлик; **вы́бросить** *что-л.* **за ~ь** нокераклиги учун ташлаб юбормоқ.

НЕНАДО́ЛГО *нареч.* озгина (бир оз) вақтга, қисқа муддатга; бир-икки кун(га); **~ останови́ться у знако́мых** бир-икки кун танишларникида қўнмоқ.

НЕНАКАЗУЕМЫЙ, -ая, -ое *юр.* жазоланмайдиган, жазо берилмайдиган, жазога тортилмайдиган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

НЕНАМЕ́РЕННЫЙ, -ая, -ое атайлаб (қасддан) қилинмаган, бехосдан (билмасдан) қилинган, тасодифий, беғараз.

НЕНАПАДЕ́НИ/Е *с* ҳужум қилмаслик; **договóр о ~и** ҳужум қилмаслик ҳақида битим.

НЕНАРО́КОМ *нареч. разг.* беғараз, билмай, билмасдан, бехосдан, атайлаб (қасддан) эмас; **оби́деть ~** билмай (бехосдан) хафа қилиб қўймоқ.

НЕНАРУШИ́М/ЫЙ, -ая, -ое бузилмайдиган, бузиб бўлмайдиган, бузилмас; **~ая тишина́** бузилмас тинчлик, жимжитлик.

НЕНАСТНЫЙ, -ая, -ое; -тен, -тна булутли; ёғинли, ёмғирли, серёғин; ҳаво бузуқ; **~ день** булутли (ёмғирли) кун; ҳаво бузуқ кун.

НЕНАСТОЯ́Щ/ИЙ, -ая, -ее 1 сунъий, ясама, сохта, қалбаки; **~ий шёлк** сунъий шойи; **~ее зо́лото** қалбаки тилла; 2 ёлғондакам, чин кўнгилдан қилинмаган, самимий эмас, юзаки, сунъий; **~ая дру́жба** юзаки дўстлик.

НЕНАСТЬЕ *с* ёғин, ёғингарчилик, намгарчилик; ҳавонинг бузуқлиги; **осе́ннее ~** кузги намгарчилик (ёғингарчилик).

НЕНАСЫТН/ЫЙ, -ая, -ое; -тен, -тна 1 қорни тўймайдиган, ебтўймас, мечкай, очофат; хўра; **~ое живо́тное** хўра (кўп овқат ейдиган) ҳайвон; 2 *перен.* ҳеч тўймайдиган, қонмайдиган, ружу қилган (қўйган); **~ая жа́жда зна́ний** билимга қонмаслик, билимга чанқоқлик.

НЕНАСЫЩЕ́ННЫЙ, -ая, -ое *хим.* тўйинмаган; **~ раство́р** тўйинмаган эритма.

НЕНАТУРА́ЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое; -лен, -льна 1 сунъий, ясама; табиий эмас; **~ая ко́жа** сунъий чарм; 2 сунъий, ясама, сохта; **~ый смех** сунъий кулги.

НЕНАУ́ЧН/ЫЙ, -ая, -ое; -чен, -чна илмий бўлмаган, фанга асосланмаган, ғайриилмий; **~ая формулиро́вка** илмий бўлмаган таъриф.

НЕ́НЕЦ *м, р.* **-нца** ненец; *см.* **не́нцы.**

НЕ́НЕЦКИЙ, -ая, -ое ненецларга оид; ненец(лар)...; **~ язы́к** ненец тили.

НЕ́НКА *ж, р. мн.* **-нок** ненец аёл, ненка; *см.* **не́нцы.**

НЕНОРМА́ЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое; -лен, -льна 1 нонормал, анормал, нормадан ташқари, нормага (табиий ҳолатга, одатдагига) тўғри келмайдиган; **~ая полнота́** нонормал (ортиқча) тўлалик; **~ое явле́ние** ғайритабиий ҳол; 2 *разг.* эси паст, ақли норасо, тентак, жинни, думбул.

НЕНОРМИ́РОВАННЫЙ, -ая, -ое нормасиз, нормаланмаган, нормага солинмаган, тушмаган; **~ рабо́чий день** нормаланмаган иш куни.

НЕНО́ШЕНЫ/Й, -ая, -ое *разг.* кийилмаган, янги; **~е ту́фли** кийилмаган (янги) туфли.

НЕНУ́ЖН/ЫЙ, -ая, -ое: -жен, -жна кераксиз, лузумсиз, нокерак, нодаркор, фойдасиз, бекор, беҳуда; **~ые ве́щи** кераксиз нарсалар; **~ые разгово́ры** беҳуда гаплар; **~ая тра́та вре́мени** вақтни бекор кетказиш.

НЕ́НЦЫ *мн.* (*ед.* **не́нец** *м,* **не́нка** *ж*) ненецлар (асосан Ненецлар автоном округида, Ямал-ненец автоном округида ва Таймирда яшовчи халқ).

НЕОБДУ́МАННО *нареч.* ўйламай, ўйламасдан, муҳокама қилмасдан, бемулоҳаза; **поступи́ть ~** ўйламай иш қилмоқ.

НЕОБДУ́МАНН/ЫЙ, -ая, -ое яхши ўйлаб кўрилмаган, ўйламасдан (мулоҳазасиз) қилинган, бемулоҳаза, хом; **~ое реше́ние** ўйламасдан қабул қилинган қарор.

НЕОБЕСПЕ́ЧЕННЫ/Й, -ая, -ое 1 пешанасида ҳеч нарсаси (ҳеч вақоси) йўқ, бебизоат, камбағал, муҳтож;— **Жени́ться вам ра́но, вы, ~е лю́ди, не должны́ жени́ться** (М. Горький)— Сизнинг уйланишингизга ҳали вақт эрта, сиз, бебизоат одамлар, уйланмаслигингиз керак; 2 *фин.* (пул билан) таъминланмаган, таъмин этилмаган; **~й долг** таъминланмаган қарз.

НЕОБЖИТ/О́Й, -а́я, -о́е и **НЕОБЖИ́Т/ЫЙ, -ая, -ое** одам турмаган (ўтқазилмаган), одам кўчиб бормаган; нообод; **~а́я кварти́ра** одам кўчиб кирмаган квартира; **~ы́е края́** одам кўчиб бормаган, нообод ўлкалар.

НЕОБИТА́ЕМЫЙ, -ая, -ое одам (аҳоли) яшамайдиган, киши қадами етмаган; бўш ётган; **~ о́стров** одам яшамайдиган орол.

НЕОБОЗРИ́М/ЫЙ, -ая, -ое кўз илғамас, чексиз, бепоён; **~ое простра́нство** чексиз фазо.

НЕОБОРИ́М/ЫЙ, -ая, -ое *книжн.* енгилмас, тийилмас; енгиб (тийиб) бўлмайдиган; мустаҳкам; **~ая страсть** тийиб бўлмайдиган ҳирс (одат, майл ва ҳ. к.); чексиз эҳтирос; **~ая жизнесто́йкость** енгилмас (мустаҳкам) ҳаётчанлик.

НЕОБОСНОВА́НН/ЫЙ, -ая, -ое асоссиз, далилсиз, асосланмаган, ноўрин; **~ое обвине́ние** асоссиз (ноўрин) айблаш.

НЕОБРАБО́ТАНН/ЫЙ, -ая, -ое 1 ишланмаган, ишлов берилмаган; **~ые дета́ли** ишланмаган (ишлов берилмаган) деталлар; **~ая земля́** ишлов берилмаган (ҳайдалмаган) ер; 2 чала, хом, битмаган, битказилмаган, чала ишланган, қўлдан чиқарилмаган; **~ое изде́лие** қўлдан чиқарилмаган (чала) маҳсулот; **~ая статья́** чала (битмаган) мақола; **3** камолот даражасига етказилмаган, камолга етмаган, силлиқланмаган, ғализ; **~ый стиль** ғализ услуб.

НЕОБРАЗО́ВАННЫЙ, -ая, -ое илмсиз, билимсиз, ўқимаган, оми.

НЕОБРАТИ́М/ЫЙ, -ая, -ое 1 қайтарилмас, қайтарилмайдиган, такрорланмайдиган, қайтариб бўлмайдиган, абадий, қайтиб келмайдиган. **Ско́лько интере́сного ~о** *(нареч.)* **ушло́, и его́ уже́ не воскреси́ть!** (Паустовский) Қанча-қанча ажойиб нарсалар абадий ўтиб кетди, энди уларни тирилтириш маҳол; 2 *спец.* асл ҳолига қайта олмайдиган; қайтмас; **~ые реа́кции** асл ҳолига кела олмайдиган реакция; **~ые проце́ссы** қайтмас жараёнлар.

НЕОБРЕМЕНИ́ТЕЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое; -лен, -льна малол келмайдиган, малоллик келтирмайдиган, оғир тушмайдиган, бемалол, енгил, осон; **~ое поруче́ние** малол келмайдиган топшириқ.

НЕОБУЗДА́НН/ЫЙ, -ая, -ое тийиб (чеклаб, жиловлаб) бўлмайдиган; тийиқсиз, ғоят кучли, шиддатли; **~ая страсть** чексиз эҳтирос, тийиб бўлмайдиган (тийиқсиз) нафс; **~ый хара́ктер** ўзбошимчалик.

НЕОБУ́ЧЕННЫ/Й, -ая, -ое ўргатилмаган, ўқитилмаган, махсус таълим берилмаган (олмаган); **~е ка́дры** ўргатилмаган (махсус таълим олмаган) кадрлар.

НЕОБХОДИ́МО *в знач. сказ. с неопр.* керак, лозим, даркор; зарур; **~ узна́ть, что с ним случи́лось** унга нима бўлганлигини билиш зарур; **мне ~ уе́хать** мен жўнаб кетишим керак.

НЕОБХОДИ́МОСТ/Ь *ж* **1** кераклик, зарурлик, зарурат, зарурият, ҳожат, эҳтиёж; **предме́ты пе́рвой ~и** энг зарур нарсалар; **кра́йняя ~ь** жуда ҳам кераклик, бориб турган зарурат; **нет ~и** кераги (ҳожати, даркори) йўқ; **в си́лу ~и** зарурат (зарурият) орқасида, керак бўлганлигидан, ноиложликдан; **по ~и** зарурият (талабга) қараб, зарурат туғилганда, керак бўлиб қолганда; 2 *филос.* зарурият; **~ь и случа́йность** зарурият ва тасодиф.

НЕОБХОДИ́М/ЫЙ, -ая, -ое 1 керакли, зарур, даркор; зарурий; **~ые материа́лы** керакли материаллар; **обще́ственно ~ый труд** ижтимоий зарурий меҳнат; **мне ~а ва́ша по́мощь** менга сизнинг ёрдамингиз керак; 2 зарурий, керакли, зарур бўлган; **сде́лать ~ые вы́воды** керакли хулосалар чиқармоқ; **~е усло́вия** керакли шарт-шароитлар; **3** *филос.* зарурий, муқаррар.

НЕОБЩИ́ТЕЛЬНЫЙ, -ая, -ое; -лен, -льна одамга қўшилмайдиган, одамови, дамдуз, писмиқ.

НЕОБЪЕКТИ́ВНОСТЬ *ж* **1** ғаразгўйлик, нохолислик, нохолисоналик; **~ оце́нки** баҳонинг ғаразлилиги (нохолисоналиги); 2 ғаразли (нохолис) муносабат, ғараз билан қараш (ёндашиш); ғаразгўйлик, ғараз; **~ докла́дчика** докладчининг ғаразгўйлиги.

НЕОБЪЕКТИ́ВНЫЙ, -ая, -ое; -вен, -вна ғараз билан қилинган, холис (холисона) бўлмаган, ғаразли, нохолис; **~ая оце́нка рабо́ты** ишга нохолис баҳо бериш; ишга берилган ғаразли баҳо.

НЕОБЪЯСНИ́МЫ/Й, -ая, -ое тушунтириб (тушуниб) бўлмайдиган; **~е явле́ния** тушунтириб (тушуниб) бўлмайдиган ҳодисалар.

НЕОБЪЯ́ТН/ЫЙ, -ая, -ое; -тен, -тна бениҳоя кенг (катта, улуғвор); бепоён, чексиз, қамраб (қучиб олиб) бўлмайдиган; **~ое простра́нство** бепоён (чексиз) фазо; **~а на́ша Ро́дина** Ватанимиз бепоён.

www.ziyouz.com kutubxonasi

НЕОБЫКНОВЕ́ННЫЙ, -ая, -ое; -е́нен, -е́нна 1 бошқаларга ўхшамаган, бошқалардан фарқ қиладиган, бошқача, аломат; **~ый па́рень** бошқача бола, аломат йигитча; 2 ғалати, ажойиб (ажиб), ғаройиб, ажабланарли, ҳайратомуз; **в э́том нет ничего́ ~ого** бунинг ҳеч ажабланарли жойи йўқ; **~ые приключе́ния** ғаройиб саргузаштлар; 3 фавқулодда, ниҳоят (ғоят) даражадаги, одатдан ташқари, мисли кўрилмаган, беназир; **~ое легкомы́слие** ниҳоят даражадаги енгилтабиатлик; **~ая красота́** беназир гўзаллик.

НЕОБЫЧА́ЙН/ЫЙ, -ая, -ое; -а́ен, -а́йна фавқулодда, турфа, ҳайрон қоларли, сира кўрилмаган (эшитилмаган); ҳаддан ташқари, ажойиб, ғалати; **~ое явле́ние** ажойиб воқеа, кўрилмаган ҳодиса; **~ое волне́ние** ҳаддан ташқари ҳаяжон.

НЕОБЫЧН/ЫЙ, -ая, -ое; -чен, -чна одатдагидек эмас, одатдагидан (ҳар вақтдагидан) бошқача, одатдан ташқари, ғайриоддий, ўзга, ўзгача; **~ый вид** ўзгача кўриниш; **он пришёл в ~ое вре́мя** у бемаҳал (одатдагидан бошқа вақтда) келди.

НЕОБЯЗА́ТЕЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое; -лен, -льна 1 мажбурий бўлмаган; мажбурий (зарурий) эмас, ихтиёрий; **~ая пое́здка** мажбурий бўлмаган сафар; ихтиёрий сафар; **~ый курс ле́кций** эшитиш мажбурий бўлмаган лекциялар туркуми (ўқув юртларида); 2 ваъдасида (сўзида) турмайдиган; бебурд; ўз бурчини (вазифасини) унутувчи, бепарво; **~ый челове́к** сўзида турмайдиган одам; бурчини (вазифасини) унутувчи (бепарво) одам.

НЕОГЕ́Н *м геол.* неоген (Ер тарихи учламчи даврининг иккинчи ярми).

НЕОГЕ́НОВЫ/Й, -ая, -ое *геол.* неогенга оид; неоген давридаги; неоген...; **~е отложе́ния** неоген давридаги ётқизиқлар.

НЕОГЛЯДН/ЫЙ, -ая, -ое; -ден, -дна кўз илғамас, кўз илғамайдиган, чексиз, бепоён; **~ая даль** кўз илғамас узоқлик.

НЕОГРАНИ́ЧЕНН/ЫЙ, -ая, -ое 1 чекланмаган, чек қўйиб (чеклаб) қўйилмаган, чексиз; **~ые права́** чекланмаган ҳуқуқлар; **~ая власть** чекланмаган (чексиз) ҳокимият; 2 чеки (чегараси) йўқ, чексиз (беҳисоб, беўлчов, истаганча) кўп; **в ~ом коли́честве** истаган миқдорда, истаганча; **~ая любо́вь** чексиз муҳаббат.

НЕОДИНАКОВ/ЫЙ, -ая, -ое бир хил (баравар, тенг, бирдек) бўлмаган, бир-бирига ўхшамаган, ҳар хил, ҳар турли, хилма-хил; **~ые существа́** бир хил бўлмаган (ҳар хил, хилма-хил) жониворлар; **~ое отноше́ние** ҳар хил (бошқа-бошқа) муносабат.

НЕОДНОКРА́ТНЫ/Й, -ая, -ое бир неча бор, бир неча марта (такрор-такрор, қайта-қайта) айтилган (қилинган, бўлган ва ҳ. к.); **~е напомина́ния** бир неча бор эслатиш; такрор-такрор эслатишлар; **~й чемпио́н ми́ра** бир неча бор жаҳон чемпиони.

НЕОДНОРО́ДН/ЫЙ, -ая, -ое; -ден, -дна 1 бир хил (бир турли) бўлмаган, ҳар хил турдаги, бошқа-бошқа, хилма-хил, турли-туман; **~ые явле́ния** бир хил бўлмаган (бошқа-бошқа) ҳодисалар; 2 бир жинсли бўлмаган; **~ая ма́сса** бир жинсли бўлмаган (турли ери, қисми ҳар хил) масса.

НЕОДОБРЕ́НИЕ *с* маъқулламаслик, маъқулламаганлик; маъқул деб топмаслик (топмаганлик), маъқул санамаслик; салбий баҳо (фикр, муносабат); **вы́звать о́бщее ~** кўпчилик томонидан маъқулланмаслик.

НЕОДОБРИ́ТЕЛЬНЫЙ, -ая, -ое; -лен, -льна маъқулламаган, маъқул деб топилмаган, маъқулламай қилинган; салбий; **~ о́тзыв** салбий отзив, мулоҳаза; **~ взгляд** маъқулламай қараш.

НЕОДОЛИ́М/ЫЙ, -ая, -ое енгиб (тийиб, босиб, тўхтатиб) бўлмайдиган, енгилмас; қудратли, зўр; **~ая си́ла** енгилмас куч; **~ый страх** босиб бўлмайдиган даҳшат.

НЕОДУШЕВЛЁНН/ЫЙ, -ая, -ое 1 жонсиз, жони йўқ; **~ая мате́рия** жонсиз материя; 2 *грам.*: **~ый предме́т** жонсиз предмет.

НЕОЖИ́ДАННОСТЬ *ж* 1 кутилмаганлик, тўсатдан (қўққисдан, бирдан) бўлиш; 2 кутилмаган ҳодиса, воқеа, **тасодиф; для всех э́то бы́ло по́лной ~ю** ҳамма учун бу кутилмаган бир воқеа (иш) бўлди; ҳеч ким бундай (шундай) бўлади деб ўйламаган эди.

НЕОЖИДА́ННЫЙ, -ая, -ое кутилмаган, кутилмаганда юз (рўй) берган, тўсатдан (бирдан, қўққисдан) бўлиб қолган; ногаҳоний, тасодифий; **~ая встре́ча** тасодифий учрашув; **~ый прие́зд госте́й** тўсатдан меҳмонларнинг келиб қолиши; **~ый вы́вод** кутилмаган хулоса.

НЕОКАПИТАЛИ́ЗМ *м* неокапитализм (буржуа идеологлари томонидан капитализм тараққиётидаги янги босқич деб талқин қилинадиган ва унинг социал зиддиятларини гўё текислаш йўли билан бартараф қиладиган ҳозирги замон давлат монополистик капитализми).

НЕОКАПИТАЛИСТИ́ЧЕСКИЙ, -ая, -ое неокапитализмга оид, неокапитализм руҳидаги; неокапиталистик; неокапитализм...

НЕОКОЛОНИАЛИ́ЗМ *м* неоколониализм (империалистик давлатларнинг собиқ мустамлака устидан иқтисодий ва сиёсий ҳукмронлик ўрнатишга қаратилган янгича жуда нозик сиёсати).

НЕОКОЛОНИАЛИ́СТ *м* неоколониалист, неоколониализм сиёсатини ўтказувчи.

НЕОКОЛОНИАЛИ́СТСКИЙ, -ая, -ое неоколониализмга ва неоколониалистларга оид; неоколониализмдан иборат бўлган, неоколониализм руҳидаги; неоколониализм...

НЕОКОЛОНИЗА́ТОР *м то же, что* **неоколониали́ст.**

НЕОКОЛО́НИЯ *ж* неоколония (неоколониалистлар томонидан иқтисодий эксплуатация объектига айлантирилган ва сиёсий жиҳатдан қарам қилиб олинган собиқ мустамлака ёки ярим мустамлака).

НЕОЛИ́Т *м археол.* неолит (тош асрининг энг сўнгги даври).

НЕОЛИТИ́ЧЕСКИЙ, -ая, -ое *археол.* неолитга оид, неолитик; неолит...; **~ая эпо́ха** неолит даври.

НЕОЛОГИ́ЗМ *м лингв.* неологизм (янги сўз ёки ибора).

НЕО́Н *м* 1 неон (химиявий элемент, рангсиз ва ҳидсиз газ); 2 неон лампасига (чироғига), неон лампаси ёғдусига оид; неон лампаси...; **~ы у́лиц** кўчанинг неон чироқлари.

НЕОНАЦИ́ЗМ *м* неонацизм, янги нацизм (нацизмнинг ҳозирги давр сиёсий шароитларига мослашиб тикланган ғоявий ва сиёсий оқими).

НЕОНАЦИ́СТ *м* неонацист, неонацизм тарафдори.

НЕОНАЦИСТСКИЙ, -ая, -ое неонацизмга ва неонацистларга оид; неонацизм ..; неонацистлар...

НЕО́НОВ/ЫЙ, -ая, -ое неонга оид; неонли; неон...; **~ая ла́мпа** неон лампа; **~ый свет** неон лампа нури.

НЕОПА́СНО *в знач. сказ.* хавфли (хатарли, қўрқинчли) эмас; хавф (хатар) йўқ; **здесь ~** бу ер хавфли эмас.

НЕОПА́СН/ЫЙ, -ая, -ое; -сен, -сна хавф туғдирмайдиган, хавф-хатардан холи; бехатар, бетаҳлика, хавфсиз, хатарсиз, қўрқинчсиз; **~ый маршру́т** хавфсиз маршрут; **~ая игра́** хавфсиз ўйин; **~ый сопе́рник** хавфсиз рақиб; **~ая ра́на** хавфсиз яра; **~ое путеше́ствие** бехатар сафар.

НЕОПЕРИВШИЙСЯ, -аяся, -ееся 1 пат чиқармаган, жиш; **~ орлёнок** бургутнинг пат чиқармаган боласи; 2 *перен.* ҳаёт кўрмаган, турмуш (иш) тажрибаси йўқ, тажрибасиз, малакасиз, ғўр, хом; учирма қилинмаган; **~ юне́ц** тажрибасиз йигит.

НЕОПИСУЕ́М/ЫЙ, -ая, -ое 1 тасвирлаб бўлмайдиган, таърифга сиғмайдиган, тил (қалам) ожизлик қиладиган; **~ая красота́** таърифга сиғмайдиган гўзаллик; 2 жуда кучли, зўр; чексиз; **~ восто́рг** чексиз шодлик.

НЕОПЛА́ТНЫЙ, -ая, -ое 1 тўлаб (узиб) бўлмайдиган, тўлаб қутулиб бўлмас; **~ долг** узиб бўлмайдиган қарз; 2 қарзини уза олмайдиган; қарзини тўлашга қодир эмас; **я ваш ~ должни́к** сиздан катта миннатдорман; сизнинг олдингизда ўзимни қарздор деб биламан, сиздан умрбод (бир умрга) қарздорман.

НЕОПРА́ВДАННЫ/Й, -ая, -ое 1 тўғри деб бўлмайдиган, асоссиз; **~й вы́вод** асоссиз хулоса; 2 ноўрин, фойдасиз, ўринсиз, беҳуда, бекор; **~е расхо́ды** ноўрин (беҳуда) харажатлар.

НЕОПРЕДЕЛЁННОСТ/Ь *ж* 1 ноаниқлик, номаълумлик, белгисизлик, аниқ эмаслик; дудмоллик, мўҳмаллик,

www.ziyouz.com kutubxonasi

мужмаллик; ~ь положе́ния аҳволнинг ноаниқлиги; 2 ноаниқ бир ҳол, бетайинлик; оста́ться в по́лной ~и бутунлай ноаниқ бир ҳолда қолмоқ.

НЕОПРЕДЕЛЁНН/ЫЙ, -ая, -ое; -ёнен, -ённа 1 ноаниқ, номаълум, белгисиз; ~ое направле́ние ноаниқ томон (йўналиш); 2 ноаниқ, мубҳам, дудмол, мужмал, мўҳмал; билиб (тушуниб, англаб) бўлмайдиган; ~ый звук нималигини билиб бўлмайдиган товуш; ~ый отве́т мужмал жавоб; ✦ ~ая фо́рма глаго́ла *грам.* инфинитив, феълнинг ноаниқ формаси; ~ые уравне́ния *мат.* аниқмас (ноаниқ) тенгламалар (бирдан ортиқ номаълумли тенгламалар).

НЕОПРЕДЕЛИ́МЫЙ, -ая, -ое аниқлаб (белгилаб) бўлмайдиган, аниқлаш қийин бўлган; ~ при́знак аниқлаб бўлмайдиган белги.

НЕОПРОВЕРЖИМЫ/Й, -ая, -ое рад (инкор) қилиб бўлмайдиган, шак-шубҳасиз; ~е доказа́тельства рад қилиб бўлмас далиллар.

НЕОПРЯТН/ЫЙ, -ая, -ое; -тен, -тна ифлос, кир, исқирт, пала-партиш; ~ый челове́к ифлос (исқирт, пала-партиш) одам; ~ая оде́жда пала-партиш (исқирт) кийим.

НЕОПЫТНЫЙ, -ая, -ое; -тен, -тна 1 тажрибаси йўқ (кам), тажриба кўрмаган (орттирмаган), тажрибасиз, малакасиз; ~ врач тажрибасиз врач; 2 турмуш тажрибаси йўқ; ҳаёт кўрмаган, ғўр, хом; ~ ю́ноша турмуш тажрибаси йўқ ўспирин.

НЕОРГАНИЗОВАНН/ЫЙ, -ая, -ое 1 уюшмаган, уюштирилмаган, яхши ташкил этилмаган, тартибсиз, тарқоқ, бебош; ~ое выступле́ние тартибсиз (яхши ташкил этилмаган, бебош) ҳаракат; ~ый о́тдых уюшмаган ҳолда (ҳар ким ўз бошига) дам олиш; 2 ўз ишини уюштира олмайдиган, пойма-пой иш қиладиган; ~ый челове́к ўз ишини уюштира олмайдиган одам; 3 уюшмаган, бирор ташкилотга тортилмаган, ташкилотсиз; ~ое населе́ние уюшмаган аҳоли.

НЕОРГАНИЧЕСК/ИЙ, -ая, -ое 1 ноорганик, жонсиз; ~ая приро́да жонсиз табиат; 2 анорганик, ноорганик, органик бўлмаган; ~ие соедине́ния анорганик (ноорганик) бирикмалар; ✦ ~ая хи́мия анорганик химия (ноорганик моддалар химияси).

НЕОСЛАБЕВАЮЩ/ИЙ, -ая, -ее бўшашмайдиган, сусаймайдиган, доимо бирдек зўр, катта; с ~ей эне́ргией доимо бирдек зўр (катта) гайрат билан.

НЕОСЛА́БН/ЫЙ, -ая, -ое; -бен, -бна доимо бирдек зўр, катта, бўшашмайдиган, сусаймайдиган; уделя́я ~ое внима́ние эътиборни сусайтирмай, доимо бирдек зўр эътибор билан.

НЕОСМОТРИ́ТЕЛЬНЫЙ, -ая, -ое; -лен, -льна 1 кетини (оқибатини) ўйламай иш қиладиган, орқа-ўнгига қарамай иш тутадиган, эҳтиёткор эмас, эҳтиётсиз; ~ челове́к кетини (оқибатини) ўйламай иш қиладиган одам; 2 кетини (оқибатини (орқа-ўнгини) ўйламасдан қилинган, эҳтиётсиз; ~ посту́пок орқа-ўнгини ўйламасдан қилинган иш.

НЕСМЫСЛЕНН/ЫЙ, -ая, -ое тушуниб етмасдан (яхши ўйлаб кўрмасдан) қилинган, бемулоҳаза; ~ый посту́пок тушуниб етмасдан (тушумасдан) қилинган иш; ~ая речь бемулоҳаза гап.

НЕОСНОВА́ТЕЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое; -лен, -льна 1 етарли асосга эга бўлмаган, етарлича асосланмаган, асоссиз, таги пуч, бўш; ~ые аргуме́нты таги пуч далиллар; ~ые претензии асоссиз даъволар; 2 қисқа ўйлайдиган, енгилтак, ҳавойи, бачкана; ~ый челове́к енгилтак одам.

НЕОСОЗНАННЫ/Й, -ая, -ое онгига етмаган, ўйланмаган, тушунилмаган; онгсиз (ғайриихтиёрий) равишда қилинган; ~е де́йствия онгсиз равишда қилинган хатти-ҳаракат.

НЕОСПОРИМЫЙ, -ая, -ое рад қилиб бўлмайдиган, эътирозга ўрин қолдирмайдиган, аниқ, шак-шубҳасиз; ~ факт рад қилиб бўлмайдиган факт.

НЕОСТОРОЖН/ЫЙ, -ая, -ое; -жен, -жна 1 эҳтиётсизлик билан иш тутадиган, авайламай (кўзга қарамай) иш қиладиган, эҳтиётсиз; ~ый челове́к эҳтиётсиз одам; 2 эҳтиётсизлик (қўполлик) билан қилинган, эҳтиётсизлик (қўполлик) орқасидаги, эҳтиётсиз, қўпол; ~ый посту́пок эҳтиётсизлик (қўполлик) билан қилинган иш-ҳаракат; ~ое обраще́ние с электри́чеством электрдан эҳтиётсизлик билан (эҳтиётсиз) фойдаланиш.

НЕОСУЩЕСТВИМЫ/Й, -ая, -ое бажариб (амалга ошириб) бўлмайдиган, юзага (рўёбга) чиқмайдиган, маҳол, пуч; ~й план амалга ошириб бўлмайдиган план; ~е мечты́ рўёбга чиқмайдиган (ушалмайдиган) орзулар; пуч ҳаёллар.

НЕОСЯЗАЕМ/ЫЙ, -ая, -ое 1 сезилмайдиган, сезиб (ҳис қилиб) бўлмайдиган, сезилмас; 2 сезилмас даражада оз, билинар-билинмас, зиғирча, сал-пал; ~ая ра́зница билинар-билинмас фарқ; ~ые результа́ты сезилмас даражада оз натижалар.

НЕОТВРАТИМ/ЫЙ, -ая, -ое қайтариб (даф қилиб, олдини олиб) бўлмайдиган; бўлиши аниқ (муқаррар); ~ая опа́сность қайтариб бўлмайдиган хавф-хатар.

НЕОТВЯЗНЫ/Й, -ая, -ое; -зен, -зна 1 сира ёддан (миядан) чиқмайдиган, хаёлдан кетмайдиган, қутулиб бўлмайдиган; ~е мы́сли сира миядан чиқариб бўлмайдиган фикрлар; 2 *разг.* хира, шилқим.

НЕОТВЯЗЧИВЫЙ, -ая, -ое *разг.* қутулиб бўлмайдиган, жонга тегадиган, хира, шилқим, суллоҳ; ~ челове́к жонга тегадиган одам, хира (шилқим) одам, суллоҳ.

НЕОТДЕЛИ́М/ЫЙ, -ая, -ое ажралмас, бўлинмас, ажратиб бўлмайдиган, чамбарчас (узвий) боғланган; ~ые вопро́сы бир-биридан ажратиб бўлмайдиган масалалар; **Действи́тельность ~а от фанта́зии** (Гладков) Борлиқни фантазиядан ажратиб бўлмайди (Борлиқ билан фантазия узвий боғланган).

НЕОТЁСАННЫЙ, -ая, -ое 1 рандаланмаган, тарашланмаган, йўнилмаган; ~ ка́мень йўнилмаган (тарашланмаган) тош; 2 *перен. разг.* дағал, қўпол, тарбия кўрмаган, маданиятсиз; ~ па́рень қўпол (маданиятсиз) йигит.

НЕОТКУДА *нареч.* ҳеч қаердан, ҳеч қайдан, ўрни (жойи, манбаи ва ҳ. к.) йўқ: по́мощи ждать ~ ҳеч қаердан ёрдам келмайди (кутиб бўлмайди), ёрдам кутадиган жой йўқ; ~ ему́ быть у́мным у қаердан ақлли бўлсин.

НЕОТЛАГА́ТЕЛЬНЫЙ, -ая, -ое; -лен, -льна кечиктириб бўлмайдиган, ошиғич, зуд, зарур.

НЕОТЛО́ЖК/А *ж разг.* тез ёрдам машинаси (ёки касалхонаси); к больно́му вы́звали ~у беморга тез ёрдам машинаси чақиришди.

НЕОТЛО́ЖН/ЫЙ, -ая, -ое; -жен, -жна кечиктириб бўлмайдиган, зудлик билан қилинадиган, ошиғич, шошилинч, тез, зуд, зарур; ~ый ремо́нт зудлик билан қилинадиган ремонт, ошиғич ремонт; оказа́ть ~ую по́мощь шошилинч (ошиғич) ёрдам кўрсатмоқ.

НЕОТЛУ́ЧНО *нареч.* ҳеч қаёққа кетмай (чиқмай, жилмай), нари кетмай, ҳеч қаёққа силжимасдан; быть ~ *при ком-л.* олдидан нари кетмай ўтирмоқ, доим ёнида (ҳузурида) бўлмоқ.

НЕОТЛУ́ЧН/ЫЙ, -ая, -ое; -чен, -чна 1 ҳамиша бирга бўладиган, ажралмас; ~ый друг ажралмас дўст; 2 жилиб (ташлаб кетиб) бўлмайдиган, узлуксиз туриладиган, доимий; ~ое дежу́рство жилмасдан (узлуксиз) навбат туриш; ташлаб кетиб бўлмайдиган дежурлик.

НЕОТРАЗИ́М/ЫЙ, -ая, -ое 1 қайтариб (даф қилиб) бўлмайдиган; енгиб бўлмайдиган; ~ая ата́ка даф қилиб бўлмайдиган ҳужум; 2 *перен.* эътироз (рад) қилиб (қаршилик кўрсатиб) бўлмайдиган; ~ые до́воды рад қилиб бўлмайдиган далиллар; 3 жуда кучли, зўр, ихтиёрни олиб қўядиган; произвести́ ~ое впечатле́ние жуда кучли таассурот қолдирмоқ.

НЕОТСТУПН/ЫЙ, -ая, -ое; -пен, -пна 1 кетидан қолмайдиган, қайтмайдиган, чекинмайдиган, қўймайдиган, қайтмас, чекинмас; ~ое пресле́дование кетидан қолмай таъқиб қилиш; 2 миядан (хаёлдан) кетмайдиган, мияга маҳкам ўрнашиб қолган; ~ые мы́сли миядан чиқмайдиган хаёллар.

НЕОТЪЕ́МЛЕМ/ЫЙ, -ая, -ое ажратиб (олиб) бўлмайдиган, дахл қилиб бўлмайдиган, ажралмас, дахлсиз; ~ая часть ажралмас қисм; ~ое пра́во ҳеч ким дахл қилолмайдиган (олиб қўя олмайдиган) ҳуқуқ.

НЕОФАШИ́ЗМ *м* неофашизм (Иккинчи жаҳон урушидан кейин янги тарихий шароитларга мослашиб тикланган фашизм тушунчаси).

НЕОФАШИ́СТ *м* неофашист, неофашизм тарафдори.

www.ziyouz.com kutubxonasi

НЕОФАШИСТСКИЙ, -ая, -ое неофашизмга ва неофашистларга оид; неофашизм..., неофашист(лар)...

НЕОФИЦИА́ЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое; -лен, -льна ғайрирасмий, норасмий; **~ый визи́т** ғайрирасмий визит; **~ая бесе́да** ғайрирасмий суҳбат.

НЕОФОРМЛЕННЫЙ, -ая, -ое 1 расмийлаштирилмаган, расмиятга оширилмаган; қонунийлаштирилмаган, қонуний кучи йўқ; қонунсиз; **~ докуме́нт** расмийлаштирилмаган (қонуний кучи йўқ) ҳужжат; **~ брак** қонунсиз никоҳ; **2** шаклланмаган, тугал шакл олмаган; қўлдан чиқарилмаган, тахт қилинмаган, чала; **~ чертёж** тахт қилинмаган чизма.

НЕОХВАТН/ЫЙ, -ая, -ое; -тен, -тна қучиб (қамраб олиб) бўлмайдиган, қучоққа сиғмайдиган, жуда катта; охир-поёни йўқ; бепоён, чексиз, **~ые чина́ры** қучоққа сиғмайдиган чинорлар; **~ая степна́я ширь** поёни йўқ кенг чўл.

НЕОХО́Т/А *ж* **1** хоҳламаслик, истамаслик, истак (хоҳиш, ҳафсала) йўқлик; **с ~ой** истаккә қарши, истар-истамас; **2** *в знач. сказ. кому* и *с неопр.* ҳафсала (истак) йўқ, хоҳиш йўқ; ...гиси йўқ (келмаяпти); **ему́ ~а е́хать** боргиси келмаяпти, боргиси (бориш истаги) йўқ.

НЕОХО́ТНО *нареч.* истар-истамас, унча хоҳламасдан, хоҳламай; **он ~ согласи́лся е́хать** истар-истамас бориш а розн бўлди.

НЕОЦЕНИМ/ЫЙ, -ая, -ое бебаҳо, қимматли, ғоят (бениҳоя) катта; **~ое досто́инство** бебаҳо фазилат; **оказа́ть ~ую услу́гу** (ғоят) катта хизмат кўрсатмоқ.

НЕОЩУТИМЫЙ, -ая, -ое сезиб бўлмайдиган, сезилар-сезилмас, билинар-билинмас, жуда (оз) кичкина; **~ толчо́к** сезилар-сезилмас силкиниш (туртки).

НЕОЩУТИТЕЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое; -лен, -льна *то же, что* **неощути́мый**; **~ая боль** билинар-билинмас оғриқ.

НЕПАРНОКОПЫТН/ЫЙ, -ая, -ое 1 бир туёқли, тоқ туёқли; **~ое живо́тное** тоқ туёқли ҳайвон; **2** *в знач. сущ.* **~ые** *мн.* тоқ туёқлилар (от, каркидон ва ш. к.).

НЕПА́РНЫЙ, -ая, -ое жуфт эмас, тоқ; пойма-пой.

НЕПАРТИЙН/ЫЙ, -ая, -ое; -и́ен, -и́йна 1 партиясиз, партия сафига кирмаган; партияга уюшмаган; **~ые лю́ди** партиясиз кишилар; **~ые организа́ции** партиясиз ташкилотлар; **2** партия принципларига (программасига, мақсадига) мос келмайдиган, партия аъзосига номуносиб (келишмайдиган, ярашмайдиган), нопартиявий; **~ое поведе́ние** партия аъзосига номуносиб хулқ-атвор; **~ая пози́ция** нопартиявий позиция.

НЕПЕДАГОГИ́ЧНЫЙ, -ая, -ое; -чен, -чна нопедагогик, педагогика талабларига жавоб бермайдиган (хилоф).

НЕПЕРЕВОДИМ/ЫЙ, -ая, -ое таржима қилиб бўлмайдиган, таржима қилинмайдиган; **~ое выраже́ние** таржима қилиб бўлмайдиган ибора.

НЕПЕРЕДАВАЕМ/ЫЙ, -ая, -ое ифодалаб (тасвирлаб, тушунтириб) бўлмайдиган; **~ое впечатле́ние** ифодалаб бўлмайдиган таассурот.

НЕПЕРЕНОСИМ/ЫЙ, -ая, -ое чидаб (тоқат қилиб) бўлмайдиган, жуда оғир, қаттиқ; **~ая боль** чидаб (тоқат қилиб) бўлмайдиган оғриқ.

НЕПЕРЕХО́ДНЫ/Й, -ая, -ое *грам.* ўтимсиз; **~е глаго́лы** ўтимсиз феъллар.

НЕПЕРСПЕКТИ́ВН/ЫЙ, -ая, -ое; -вен, -вна ноперспектив, келажаги йўқ, истиқболсиз; **~ая те́ма** истиқболи йўқ тема; **~ый рабо́тник** келажаги йўқ ходим.

НЕПЕЧА́ТНЫ/Й, -ая, -ое *разг.* айтиб (оғизга олиб) бўлмайдиган, уятли, қоски, пештахам (сўкиш сўзлар ҳақида); **~е выраже́ния** оғизга олиб бўлмайдиган гап.

НЕПИСА́НЫ/Й, -ая, -ое одат бўлиб қолган, одат тусига кирган, ёзилмаган; **по ~м зако́нам** ёзилмаган (одат тусига кирган) қонунга кўра, одат бўйича.

НЕПЛАТЕ́Ж *м, р.* **-ежа́** тўламаслик, тўламай юриш, тўланмаганлик.

НЕПЛАТЕЖЕСПОСО́БН/ЫЙ, -ая, -ое; -бен, -бна *фин.* тўлашга қодир эмас (қурби етмайдиган), тўлай олмайдиган; **~ые дебито́ры** қарзини тўлай олмайдиган дебиторлар; **~ое предприя́тие** пул (қарз) тўлай олмайдиган корхона.

НЕПЛАТЕ́ЛЬЩИК *м* тўловни (қарзни) тўламаган одам (ёки ташкилот); боқимондачи; **зло́стный ~** тўловни (қарзни) қасддан (ўз вақтида) тўламайдиган одам (ёки ташкилот).

НЕПЛОДОРО́ДНЫ/Й, -ая, -ое; -ден, -дна ҳосил бермайдиган, камҳосил, ориқ, кучсиз; **~е зе́мли** камҳосил (ориқ) ерлар.

НЕПЛОХ/О́Й, -а́я, -о́е ёмон эмас, чакки эмас, яхшигина, дуруст; **~о́й урожа́й** яхши ҳосил; **~а́я мысль** дуруст (яхши) фикр.

НЕПОБЕДИМ/ЫЙ, -ая, -ое 1 енгилмас, енгилмайдиган, енгиб бўлмайдиган; **~ая Сове́тская Ар́мия** енгилмас Совет Армияси; **2** *перен.* кучли, зўр, қаттиқ; енгиб (қайтариб, тийиб) бўлмайдиган; **~ое жела́ние** кучли иштиёқ, зўр истак.

НЕПОВА́ДНО *в знач. сказ.* хоҳиш (истак, ҳафсала) йўқ, ўнғайсиз; ноқулай; ✦ **чтобы друго́м ~ бы́ло** бошқаларга ибрат бўлсин учун.

НЕПОВИ́ННЫЙ, -ая, -ое; -и́нен, -и́нна айбсиз, гуноҳсиз, айби (гуноҳи) йўқ, ёзиқсиз, маъсум; **~ младе́нец** маъсум гўдак.

НЕПОВИНОВЕ́НИЕ *с* бўйсунмаслик, итоат қилмаслик, саркашлик, бўйин товлаш, бош тортиш; **~ зако́ну** қонунга бўйсунмаслик.

НЕПОВОРО́ТЛИВЫЙ, -ая, -ое эпчил (чаққон) эмас, имиллаган, шалвираган, қовушмаган, лапашанг, лаванг; **~ ма́льчик** шалвираган бола.

НЕПОВТОРИМ/ЫЙ, -ая, -ое тенги (мисли) йўқ, мислсиз, бирдан-бир, дунёда йўқ, ягона; **~ая краса́** дунёда йўқ гўзаллик; **~ый го́лос** мисли йўқ товуш.

НЕПОГО́ДА *ж* ёғингарчилик, намгарчилик; бузуқ ҳаво, бўралаган қор, ёмғир; **осе́нняя ~** куз ёғингарчилиги, кузги ёғингарчилик.

НЕПОГРЕШИМ/ЫЙ, -ая, -ое хато қилмайдиган, адашмайдиган, янглишмайдиган; шубҳага ўрин қолдирмайдиган, бехато, беайб; бенуқсон, тўппа-тўғри; **~ый рабо́тник** хато қилмайдиган ходим; **~ое реше́ние** тўппа-тўғри (бехато) қарор.

НЕПОДАЛЕ́КУ *нареч.* яқин, яқин жойда, шу ўртада, шу атрофда; **он живёт ~** у шу атрофда туради; **~ от...** ...га яқин жойда, ...нинг яқинида (ёнида), ...нинг ёнидан, ... билан ёнма-ён; **~ от до́ма протека́ет река́ уйнинг** ёнидан дарё ўтади.

НЕПОДА́ТЛИВ/ЫЙ, -ая, -ое 1 ечиб (бўшатиб, бузиб, синдириб ва ҳ. к.) бўлмайдиган, жуда мустаҳкам, қаттиқ, пишиқ; **~ый у́зел** ечиб бўлмайдиган (қаттиқ, чандир) тугун; **~ый ка́мень** қаттиқ (синдириб бўлмайдиган) тош; **~ая древеси́на** қаттиқ (ёриб бўлмайдиган) ёғоч; **2** *перен.* гапга кирмайдиган, кўнмайдиган, унамайдиган, бўш келмайдиган, қаттиқ, ўжар; **~ый челове́к** қаттиқ одам; **~ый хара́ктер** қаттиқлик, ўжарлик.

НЕПОДВИ́ЖНЫЙ, -ая, -ое; -жен, -жна 1 қўзғалмайдиган, қимирламайдиган, ҳаракат қилмайдиган, ҳаракатсиз, қотган, қўзғалмас, жим, сокин, турғун; **~ блок** қўзғалмас блок; **2** камҳаракат, суст, сусткаш, ланж; **~ челове́к** камҳаракат (суст, ланж) одам, сусткаш одам, танбал; **3** ўлик, руҳсиз, қотиб қолган; **~ взгляд** ўлик (руҳсиз) нигоҳ.

НЕПОДГОТО́ВЛЕНН/ЫЙ, -ая, -ое 1 маълум тайёргарлик кўрмаган, махсус тайёрланмаган; **~ый солда́т** тайёргарлик кўрмаган солдат; **2** тайёр (тахт) эмас; тайёрланмаган; **~ая ру́копись** тайёрланмаган (тахт бўлмаган) қўл ёзма.

НЕПОДДЕ́ЛЬНЫЙ, -ая, -ое; -лен, -льна 1 сохта (қалбаки) эмас, ҳақиқий; **~ докуме́нт** ҳақиқий ҳужжат; **2** чин, чинакам, самимий, табиий, сунъий эмас; **~ восто́рг** чинакам завқ.

НЕПОДКУПН/ЫЙ, -ая, -ое; -пен, -пна виждонини сотмайдиган, сотилмайдиган, учмайдиган, виждонли, пок; **~ый челове́к** сотилмайдиган (виждонли) одам; **~ая че́стность** пок виждонлилик.

НЕПОДОБА́ЮЩ/И́Й, -ая, -ее номуносиб, нолойиқ, ярашмайдиган, келишмайдиган, тўғри келмайдиган, номаъқул; **вести́ себя́ ~м о́бразом** ўзини нолойиқ (номуносиб) тутмоқ.

НЕПОДРАЖА́ЕМ/ЫЙ, -ая, -ое мисли (тенги, тенг келадигани) йўқ, ягона; **в э́той ро́ли он ~** бу ролда унинг

www.ziyouz.com kutubxonasi

тенги йўқ (ҳеч ким унинг олдига тушолмайди); бу ролни ҳеч ким унчалик ўйнай олмайди.

НЕПОДСУДН/ЫЙ, -ая, -ое; -ден, -дна *юр.* бирор суд органида суд қилинишига тегишли бўлмаган, бирор суд органи кўра олмайдиган; **~ое де́ло** бирор суд органи кўра олмайдиган иш.

НЕПОЗВОЛИТЕЛЬНЫ/Й, -ая, -ое; -лен, -льна ножўя, чакки, йўл қўйиб бўлмайдиган, мумкин (жоиз) бўлмаган; **вести́ себя́ ~м о́бразом** ўзини ножўя тутмоқ.

НЕПОЗНАВА́ЕМЫ/Й, -ая, -ое билиб (идрок қилиб) бўлмайдиган, билиш мумкин бўлмаган; **в приро́де не существу́ет ~х веще́й** табиатда билиб бўлмайдиган нарсалар йўқ.

НЕПОКОЛЕБИМ/ЫЙ, -ая, -ое оғишмайдиган, қайтмайдиган; қаттиқ, мустаҳкам, саботли, барқарор; **~ая твёрдость** мустаҳкам ирода, [Княжна́ Ма́рья] была́ **молчали́ва и ~а в свои́х реше́ниях** (Л. Толстой) [Княжна Марья] камгап ва ўз қароридан қайтмайдиган одам эди.

НЕПОЛА́ДКИ *мн., р.* **-док** (*ед.* **непола́дка** *ж*) 1 камчиликлар, нуқсонлар; бузуқликлар; **организацио́нные ~** ташкилий камчиликлар; **~ в рабо́те** ишдаги камчиликлар; **~в маши́не** машинанинг бузуқликлари; 2 келишмовчиликлар, ноиттифоқликлар, ихтилофлар; **~ в семье́** оиладаги келишмовчиликлар.

НЕПОЛИВН/ОЙ, -а́я, -о́е *с.-х.* суғоришни талаб қилмайдиган, суғорилмайдиган, лалми, лалмикор, баҳорикор; **~ые культу́ры** суғорилмайдиган экинлар; **~ые зе́мли** лалмикор ерлар; **~о́е земледе́лие** суғорилмайдиган зироатчилик, лалмикорлик, баҳорикорлик.

НЕПОЛНОПРАВНЫ/Й, -ая, -ое; -вен, -вна тўла ҳуқуқли эмас, тўла ҳуқуққа эга бўлмаган; **борьба́ ~х на́ций за незави́симость** тўла ҳуқуққа эга бўлмаган миллатларнинг мустақиллик учун кураши.

НЕПОЛНОТА́ *ж* тўлиқ (тўла) эмаслик, нотўлалик, етишмаслик; **~ све́дений** маълумотларнинг тўлиқ (тўла) эмаслиги.

НЕПОЛНОЦЕ́НН/ЫЙ, -ая, -ое; -е́нен, -е́нна тўла қимматга эга бўлмаган, ижобий хислатлари етарли бўлмаган, норасо; сифатсиз, паст, **~ая валю́та** тўла қимматга эга бўлмаган валюта; **~ые това́ры** сифатсиз товарлар, паст моллар; **~ая ли́чность** бирор хислати етишмайдиган (норасо) одам.

НЕПО́ЛН/ЫЙ, -ая, -ое; -лен, -лна́, -лно 1 тўлдирилмаган, тўлмаган, нотўла, ярим; **~ое ведро́** тўлдирилмаган (тўлмаган) челак, ярим челак; 2 тўлиқ (тўла) эмас, нотўла, чала, чала-ярим, ярим-ёрти; **~ые све́дения** нотўла маълумотлар; **~ый соста́в чле́нов коми́ссии** комиссия аъзоларининг нотўла состави; **~ый метр** бир метрдан камроқ; **ему́ ~ых семь лет** унинг ёши еттига тўлган эмас (етмаган); **~ое испо́льзование име́ющихся возмо́жностей** бор имкониятлардан тўла фойдаланмаслик; 3 тугал (мукаммал) эмас, тугалланмаган, қисқартирилган, камайтирилган, қисқа, қисқача; **~ый курс** нотўла (қисқартирилган) курс; **~ая рабо́чая неде́ля** нотўла (камайтирилган) иш ҳафтаси; ✦ **~ое предложе́ние** *грам.* тўлиқсиз гап.

НЕПОМЕ́РНЫ/Й, -ая, ое; -рен, -рна ҳаддан ташқари, бениҳоя даражадаги, чексиз; **~е тру́дности** ҳаддан ташқари қийинчиликлар.

НЕПОНИМА́НИЕ *с* тушунмаслик, англамаслик, тушуниб етмаслик; **~ су́щности вопро́са** масаланинг моҳиятини тушунмаслик.

НЕПОНЯ́ТЛИВЫЙ, -ая, -ое тез (дарров) тушуниб ололмайдиган, зеҳни паст, бефаҳм; **~ учениќ** тез (дарров) тушуниб ололмайдиган ўқувчи.

НЕПОНЯ́ТНО 1 *нареч.* англаб (тушуниб) бўлмайдиган қилиб, англаб (тушуниб) бўлмайдиган бир тарзда, ноаниқ; **~ говори́ть** англаб (тушуниб) бўлмайдиган қилиб гапирмоқ; 2 *безл. в знач. сказ.* англашилари эмас, тушуниб бўлмайди; **~, что он хо́чет сказа́ть** нима демоқчи эканлигини тушуниб бўлмайди (бўлмаяпти); **нам ~, как э́то произошло́** бу қандай юз берганини тушуна олмаяпмиз.

НЕПОНЯ́ТН/ЫЙ, -ая, -ое; -тен, -тна 1 тушунарсиз, тушуниб бўлмайдиган, англашилмайдиган, тушуниш қийин, ноаниқ, мўҳмал; **~ое сло́во** тушуниб бўлмайдиган сўз; 2 тушуниб (ёки ажратиб, билиб) бўлмайдиган; ғалати, ажойиб, сирли; **~ый слу́чай** ажойиб воқеа, ғалати ҳодиса; **~ое поведе́ние** ғалати (тушуниб бўлмайдиган) хулқ-атвор; **~ый цвет** тушуниб (ажратиб) бўлмайдиган ранг.

НЕПОПАДА́НИЕ *с* ура (теккиза) олмаслик, хато кетказиш (ўқ ва ҳ. к. ни)

НЕПОПРА́ВИМ/ЫЙ, -ая, -ое тузалмас, тузатиб (тўғрилаб) бўлмайдиган, ўнгланмайдиган; **~ая оши́бка** тузатиб бўлмайдиган хато.

НЕПОРО́ЧНЫ/Й, -ая, -ое; -чен, -чна 1 покдомон, маъсум, иффатли, гуноҳсиз, бегуноҳ; **~й ю́ноша** покдомон йигитча; 2 соф, пок, ҳалол, бенуқсон, доғ тушмаган, бадном бўлмаган; **~е по́мыслы** пок ниятлар.

НЕПОРЯ́Д/ОК *м. р.* **-дка** тартибсизлик, бетартиблик, бесаранжомлик, чатоқлик; **~ки в рабо́те** ишдаги тартибсизликлар (чатоқликлар).

НЕПОРЯ́ДОЧНЫЙ, -ая, -ое; -чен, -чна паст, ярамас, ифлос; **~ челове́к** паст (ярамас, ифлос) одам; **~ посту́пок** ярамас (ифлос) иш.

НЕПОСВЯЩЁННЫЙ, -ая, -ое хабардор (воқиф) бўлмаган, бехабар, билмайдиган (билмаган), билимсиз.

НЕПОСЕ́ДА *м* и *ж* жим (тек) турмас одам, тинибтинчимаган, жонсарак, питир-питир (кўпинча болалар ҳақида).

НЕПОСЕ́ДЛИВЫЙ, -ая, -ое жим (тек) турмайдиган, тинибтинчимаган, жонсарак, питир-питир; **~ ребёнок** жим (тек) турмас бола; питир-питир бола; **~ хара́ктер** тинибтинчимаганлик, жонсаракдик.

НЕПОСИ́ЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое; -лен, -льна қўлдан келмайдиган, куч етмайдиган, оғирлик қиладиган; қийин, оғир; **~ая рабо́та** қийин (оғирлик қиладиган) иш; **~ое поруче́ние** қийин (қўлдан келмайдиган) топшириқ; **~ая для ребёнка но́ша** болага оғирлик қиладиган юк.

НЕПОСЛЕ́ДОВАТЕЛЬНОСТЬ *ж* 1 изчил (тадрижий) эмаслик; 2 бемантиқ (пойма-пой) гап (иш, хатти-ҳара́кат ва ҳ. к.); мантиқсизлик, тутуриқсизлик; **~ в изложе́нии** *чего-л.* баёндаги мантиксизлик.

НЕПОСЛЕ́ДОВАТЕЛЬНЫ/Й, -ая, -ое; -лен, -льна 1 изчил бўлмаган, изчил (тадрижий) эмас, боғланишсиз, пойма-пой; **~е рассужде́ния** пойма-пой мулоҳазалар; 2 изчилликка (мантиққа) риоя қилмайдиган, пойма-пой иш тутадиган, бемантиқ, мантиксиз, тутуриқсиз; **~й челове́к** тутуриқсиз одам.

НЕПОСЛУША́НИЕ *с* итоатсизлик, бўйсунмаслик, сўзга кирмаслик, қулоқ солмаслик, саркашлик, терслик, емишлик.

НЕПОСЛУ́ШНЫ/Й, -ая, -ое; -шен, -шна 1 итоатсиз, бўйсунмайдиган, сўзга кирмайдиган, қулоқ солмайдиган, саркаш, терс, емиш; **~й ребёнок** терс бола; 2 *перен.* бирор таъсирга берилмайдиган бўйсунмайдиган; **~е ку́дри** эпга келмайдиган (қайрилмайдиган) жингалак сочлар.

НЕПОСРЕ́ДСТВЕНН/ЫЙ, -ая, -ое 1 бевосита, воситасиз (воситачисиз), тўғридан-тўғри; **~ый нача́льник** бевосита начальник; **~ое возде́йствие** бевосита таъсир; **~ый результа́т** бевосита (тўғридан-тўғри) келиб чиқадиган (чиққан) натижа; **~ые перегово́ры** бевосита музокаралар; 2 соддадил, дўлвар, тўғри, самимий; **~ое поведе́ние** самимий хатти-ҳаракат, **~ая нату́ра** соддадил (дўлвар, тўғри) одам, самимий киши.

НЕПОСТИЖИМ/ЫЙ, -ая, -ое ақл етмайдиган, ақлга сиғмайдиган, ақл бовар қилмайдиган, тушуниб бўлмайдиган; **~ые причи́ны** ақл бовар қилмайдиган сабаблар; ✦ **уму́ ~о** ҳеч ақл етмайди ақлга сиғмайди.

НЕПОСТОЯ́НН/ЫЙ, -ая, -ое; -я́нен -я́нна 1 ўзгарувчан, ўзгариб турадиган, муваққат, буқаламун; **~ая пого́да** ўзгариб турадиган (ўзгарувчан) об-ҳаво; 2 айнимачи, бетайин, бебурд, беқарор; **~ый челове́к** бетайин (айнимачи) одам; **~ая нату́ра** тез ўзгариб (айниб) қоладиган одам, айнимачи.

НЕПОТРЕБНЫ/Й, -ая, -ое; -бен, -бна 1 *уст.* кераги (даркори) йўқ, нокерак кераксиз; яроқсиз; 2 *прост. уст.* беадаб, ярамас, қоски; **~е слова́** беадаб сўзлар.

НЕПОЧА́Т/ЫЙ, -ая, -ое 1 очилмаган, ишлатилмаган, қўл теккизилмаган, бутун, **~ая коро́бка сигаре́т** очилмаган (бутун) сигарета қутиси; 2 *перен.* **битмас-туганмас, сон-**

www.ziyouz.com kutubxonasi

саноқсиз; **~ый запа́с эне́ргии** битмас-туганмас энергия запаси; ✦ **~ый край** (или **у́гол**) *кого-чего* беҳад мўл, жуда кўп (сероб), битмас-туганмас, тўлиб-тошиб ётипти; **Ры́бы и пти́цы там ~ый край** (М. Пришвин) У ерда балиқлар ва қушлар жуда кўп.

НЕПОЧТЕ́НИЕ *с* ҳурматсизлик, ҳурмат қилмаслик; беҳурмат қилиш; **~ к ста́ршим** катталарга ҳурматсизлик.

НЕПОЧТИ́ТЕЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое; -лен, -льна 1 ҳурмат қилишни (ҳурматни) билмайдиган, иззат-ҳурмат қилмайдиган; **~ые де́ти** ҳурматни билмайдиган болалар; 2 беҳурматлик билан қилинган, беҳурмат; **~ое обраще́ние** беҳурмат қилиш, ҳурматсизлик кўрсатиш.

НЕПРА́ВД/А *ж* 1 ноҳақ (нотўғри, ёлғон) гап, иш ва ҳ. к.; **ты говори́шь ~у** сен ёлғон (гапни) гапиряпсан; **э́то ~а** бу тўғри эмас (ёлғон); 2 алдам-қалдам иш, алдамчилик, фирибгарлик; ✦ **все́ми пра́вдами и ~ами** *см.* **пра́вда.**

НЕПРАВДОПОДО́БНЫЙ, -ая, -ое; -бен, -бна 1 ҳақиқатга тўғри келмайдиган (хилоф), ҳақиқатдан узоқ, одам ишонмайдиган, ёлғон; **~ расска́з** ҳақиқатга тўғри келмайдиган ҳикоя; 2 ақлга тўғри келмайдиган, қизиқ, ғалати; **~ слу́чай** ақлга тўғри келмайдиган воқеа (ҳол).

НЕПРА́ВИЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое; -лен, -льна 1 нотўғри, хато, янглиш, бузуқ, ғалат; **~ое воспита́ние** нотўғри тарбия; **~ая то́чка зре́ния** нотўғри нуқтаи назар; **~ая мысль** нотўғри фикр; **~ый расчёт** хато ҳисоб; **~ые черты́ лица́** нотўғри юз тузилиши; 2 нотўғри, асоссиз, ноҳақ; **~ое обвине́ние** ноҳақ қоралаш (айблаш); ✦ **~ые глаго́лы** *грам.* нотўғри феъллар (умумий қоидадан бошқача тусланувчи феъллар); **~ая дробь** *мат.* нотўғри каср.

НЕПРАВОМЕ́РНЫЙ, -ая, -ое; -рен, -рна қонунга тўғри келмайдиган (сиғмайдиган), қонундан ташқари, ғайриқонуний; **~ посту́пок** ғайриқонуний иш (хатти-ҳаракат).

НЕПРАВОМО́ЧН/ЫЙ, -ая, -ое; -чен, -чна ваколатсиз; ваколати (ҳадди, ҳаққи, ҳуқуқи) йўқ; ҳадди сиғмайдиган; **~ый суд** ваколатсиз (бирор ишни кўришга ҳаққи йўқ) суд; **коми́ссия ~а реши́ть э́тот вопро́с** бу масалани ҳал қилишга комиссиянинг ҳаққи (ваколати) йўқ.

НЕПРАВОТ/А *ж* ноҳаклик, ҳақ (ҳақли) эмаслик; нотўғрилик; **созна́ться в свое́й ~е** ўзининг ноҳақ эканлигини тан олмоқ.

НЕПРА́В/ЫЙ, -ая, -ое 1 ноҳақ, ҳақ (ҳақли) эмас, адашувчи, хато қилувчи; **вы ~ы** сиз ҳақли эмассиз, сиз адашяпсиз; сизники нотўғри; **он был ~** у ҳақли эмас эди; 2 *уст.* и *высок.* адолатсиз; **~ый суд** адолатсиз суд.

НЕПРАКТИ́ЧН/ЫЙ, -ая, -ое; -чен, -чна 1 ишнинг кўзини (турмушнинг илмини) билмайдиган, ишбилармон (омилкор, миришкор) эмас, тажрибасиз, нўноқ; **~ый челове́к** тажрибасиз одам; **он о́чень непракти́чен** унинг сира ҳам турмуш тажрибаси йўқ, у сира ҳам турмуш илмини билмайди, у ҳаётий ишларга жуда нўноқ; 2 бирор мақсадга мос (мувофиқ) келмайдиган, нобоп, номувофиқ; **~ая ткань** нобоп газлама; **~ый спо́соб произво́дства** ишлаб чиқаришнинг номувофиқ усули.

НЕПРЕВЗОЙДЕ́Н/НЫЙ, -ая, -ое 1 энг биринчи, энг яхши, энг мукаммал, ҳеч ким (ҳеч нарса) олдига тушолмайдиган, тенг келолмайдиган; **~ый ма́стер** энг биринчи уста; 2 уччига чиққан, ўтакетган, бориб турган, нарёғи йўқ; **~ое наха́льство** ўтакетган сурбетлик.

НЕПРЕДВИДЕ́НН/ЫЙ, -ая, -ое кутилмаган, ўйланмаган, хаёлга ҳам келмаган, тўсатдан (қўққисдан) бўлиб қолган, ногаҳоний, тасодифий; **~ый слу́чай** кутилмаган ҳодиса; **~ое обстоя́тельство** хаёлга ҳам келмаган аҳвол; **~ые расхо́ды** ўйланмаган (кўзда тутилмаган) харажатлар.

НЕПРЕДНАМЕ́РЕННЫЙ, -ая, -ое қасддан (атайлаб) қилинмаган, беғараз (билмасдан, бехосдан) қилиб қўйилган; **~ое наруше́ние обще́ственного поря́дка** бехосдан (билмасдан) жамоат тартибини бузиб қўйиш; **~ое преступле́ние** қасддан қилинмаган (билмасдан қилинган) жиноят.

НЕПРЕДОТВРАТИ́М/ЫЙ, -ая, -ое олдини олиб (қайтариб, даф қилиб) бўлмайдиган, бўлиши муқаррар; **~ая беда́** олдини олиб бўлмайдиган фалокат.

НЕПРЕДУБЕЖДЁНН/ЫЙ, -ая, -ое олдиндан бирор (одатда салбий) фикрда бўлмаган; олдиндан кесиб (ҳал қилиб) қўйилмаган; **~ое мне́ние** олдиндан кесиб (ҳал қилиб) қўйилмаган фикр; **~ый чита́тель** олдиндан бирор (одатда салбий) фикрга келиб қўймаган китобхон.

НЕПРЕДУСМОТРИ́ТЕЛЬНЫЙ, -ая, -ое; -лен, -льна эҳтиётсиз, кетини (оқибатини) пайқамай иш қиладиган, узоқни кўрмайдиган, калтабин; **~ челове́к** кетини пайқамай иш қиладиган одам; калтабин одам; **~ посту́пок** кети (оқибати) нима бўлишини билмасдан (эҳтиётсизлик билан) қилинган иш, калтабинлик.

НЕПРЕЗЕНТА́БЕЛЬНЫЙ, -ая, -ое; -лен, -льна кўримсиз, файзсиз; савлати (кўрки) йўқ; **~ вид** кўримсиз қиёфа.

НЕПРЕКЛО́ННЫЙ, -ая, -ое; -о́нен, -о́нна саботли, матонатли, маҳкам, қатъиятли, тоймас, қайтмас, чекинмас, букилмас, қатъий; ашаддий; **~ый проти́вник предрассу́дков** бидъатларнинг ашаддий душмани; **~ая во́ля** букилмас (мустаҳкам) ирода; **~ое реше́ние** қатъий қарор.

НЕПРЕКОСЛО́ВНЫЙ, -ая, -ое; -вен, -вна *то же, что* **беспрекосло́вный.**

НЕПРЕЛО́ЖН/ЫЙ, -ая, -ое; -жен, -жна 1 ўзгармас, бузилмас, ўзгартириб (бузиб) бўлмайдиган, қатъий; **~ое пра́вило** ўзгармас (ўзгартириб бўлмайдиган) қоида; **~ое реше́ние** ўзгармас (бузиб бўлмайдиган) қарор; 2 шубҳасиз, эътироз қилиб бўлмайдиган; **~ая и́стина** шубҳасиз ҳақиқат.

НЕПРЕМЕ́НН/ЫЙ, -ая, -ое; -е́нен, -е́нна зарур, зарурий, қатъий, албатта бўладиган; **~ое усло́вие** зарурий шарт.

НЕПРЕОБОРИ́М/ЫЙ, -ая, -ое енгилмас, енгиб бўлмайдиган, зўр, кучли; **~ая во́ля** кучли ирода; **~ая си́ла иде́й лениниз́ма** ленинизм ғояларининг енгилмас (зўр) кучи.

НЕПРЕОДОЛИ́М/ЫЙ, -ая, -ое енгиб (бартараф қилиб, ўтиб) бўлмайдиган; зўр, кучли; **~ое препя́тствие** енгиб (ўтиб) бўлмайдиган тўсиқ.

НЕПРЕРЕКАЕ́М/ЫЙ, -ая, -ое рад қилиб (эътироз билдириб) бўлмайдиган, шубҳага ўрин қолдирмайдиган, шак-шубҳасиз; **~ая и́стина** шак-шубҳасиз ҳақиқат; **~ый авторите́т** барча тан олган эътиборли (обрўли) киши.

НЕПРЕРЫВН/ЫЙ, -ая, -ое; -вен, -вна 1 узлуксиз, туташ, пайваста; **~ый ряд домо́в** узлуксиз тизилиб кетган қатор уйлар; 2 узлуксиз, тўхтовсиз, муттасил, сурункали; **~ый дождь** тўхтовсиз (сурункали) ёмғир; **~ая цепь собы́тий** воқеаларнинг узлуксиз занжири.

НЕПРЕСТА́ННЫЙ, -ая, -ое; -а́нен, -а́нна тўхтамайдиган, тинмайдиган, тўхтовсиз, узлуксиз, муттасил, доимий; **~й ве́тер** тўхтовсиз шамол, тинмайдиган шамол; **~е забо́ты** доимий ғамхўрлик.

НЕПРИВЕТЛИВ/ЫЙ, -ая, -ое 1 илтифотсиз, рўйихуш бермай қилинган, совуқ, ёқимсиз; **~ый хозя́ин** илтифотсиз хўжайин; **~ый прие́м** рўйихуш бермай кутиб олиш; **~ый взгляд** совуқ қараш; 2 *перен.* ёқимсиз, совуқ, қоп-қоронғи, зимистон; **~ая ме́стность** ёқимсиз жой.

НЕПРИВЛЕКА́ТЕЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое; -лен, -льна ўзига жалб қилмайдиган, тортмайдиган, жозибасиз, ёқимсиз, кўримсиз; **~ая нару́жность** кўримсиз қиёфа.

НЕПРИВЫ́ЧК/А *ж* одатланмаганлик, ўрганмаганлик, кўникмаганлик; **с ~и, по ~е** одатланмаганликдан, ўрганмаганликдан.

НЕПРИВЫ́ЧНО 1 *нареч.* одатланилмаган (ўрганилмаган) бир тарзда; одатдагидан бошқача; 2 *безл. в знач. сказ.* одатланмаган, ўрганилмаган, одат эмас, ўргана олмаяпти; янги; **~ему́ на но́вом ме́сте** у янги жойга ўргана олмаяпти; **всё бы́ло для меня́ ~** ҳаммаси (ҳамма нарса) мен учун янги эди.

НЕПРИВЫ́ЧН/ЫЙ, -ая, -ое; -чен, -чна 1 одатланилмаган, ўрганилмаган, одат тусига кирмаган, янги; **~ый наря́д** ўрганилмаган кийим; **~ые усло́вия** ўрганилмаган (янги) шароитлар; 2 ҳали ўрганмаган, одатланмаган, кўникмаган; янги; **~ый челове́к** ҳали ўрганмаган (янги) одам; **[Лю́ба:] Рука́ у меня́ охо́тницкая, писа́ть ~а** (Афиногенов) [Люба:] Қўлим овчиликда қотган, ёзиш-чизишга ўрганмаган.

НЕПРИГЛЯ́ДНЫЙ, -ая, -ое; -ден, -дна кўримсиз, хунук, бадбурун; ёмон; **~ вид** кўримсиз қиёфа; хунук кўриниш; **~ посту́пок** ёмон (хунук) хатти-ҳаракат.

НЕПРИГО́ДНОСТЬ *ж* яроқсизлик, лаёқатсизлик, ярамаслик; **профессиона́льная ~** бирор касбга яроқсизлик.

www.ziyouz.com kutubxonasi

НЕПРИГОДН/ЫЙ, -ая, -ое; -ден, -дна яроқсиз, лаёқатсиз, ярамайдиган, нобоп; **~ые инструме́нты** яроқсиз асбоблар; **ме́бель ста́ла соверше́нно ~ой** мебель бутунлай яроқсиз ҳолга келди (ишдан чиқди); **призна́ть ~ым к вое́нной слу́жбе** ҳарбий хизматга яроқсиз деб топмоқ.

НЕПРИЕМЛЕМЫ/Й, -ая, -ое 1 тўғри (мувофиқ) келмайдиган, қабул қилиб (кўниб, рози бўлиб) бўлмайдиган, номақбул; **~е усло́вия** тўғри келмайдиган (қабул қилиб бўлмайдиган) шартлар; **~е до́воды** номақбул далиллар; 2 йўл қўйиб бўлмайдиган, номаъқул; **~й посту́пок** номаъқул хатти-ҳаракат.

НЕПРИЕ́МНЫ/Й, -ая, -ое қабул қилмайдиган (қилинмайдиган); қабул йўқ; **~е дни** қабул қилмайдиган (қабул йўқ) кунлар.

НЕПРИЗНАННЫЙ, -ая, -ое танилмаган, оти (номи, донғи) чиқмаган, тан олинмаган, эътироф этилмаган, номашҳур; **~ тала́нт** эътироф этилмаган (тан олинмаган) талант.

НЕПРИКАЯННЫЙ, -ая, -ое *разг.* ўз жойини топмаган, нима қиларини билмай юрган, саргардон, беором, тиними йўқ; **он хо́дит как ~ый** нима қиларини билмай саргардон.

НЕПРИКОСНОВЕ́ННОСТЬ *ж* дахлсизлик; **~ ли́чности** шахс дахлсизлиги.

НЕПРИКОСНОВЕННЫЙ, -ая, -ое; -е́нен, -е́нна 1 энг керак вақтида ишлатиладиган, тегилмайдиган, ишлатилмайдиган; **~ый запа́с продово́льствия** энг керак вақтида ишлатиладиган озиқ-овқат запаси; 2 дахлсиз (қонун ҳимоясидаги); **социалисти́ческая со́бственность ~а** социалистик мулк дахлсиздир.

НЕПРИКРАШЕННЫЙ, -ая, -ое бўяб кўрсатилмаган, табиий, ҳақиқий, чин, бор; **~ая и́стина** чин (бор) ҳақиқат.

НЕПРИКРЫТ/ЫЙ, -ая, -ое 1 очиқ, ёпилмаган, беркитилмаган; **оста́вить дверь ~ой** эшикни очиқ қолдирмоқ; 2 устн очиқ (беркитилмаган, қопланмаган); **~ая сне́гом земля́ промёрзла** қор билан қопланмаган (очиқ) ерлар музлаб қолди; 3 *перен.* очиқ (ҳимоясиз) қолган, қолдирилган; **~ая пози́ция** ҳимоясиз қолдирилган позиция; 4 *перен.* очиқ, аён; кўриниб турган, ошкора, очиқдан-очиқ; **~ая ложь** очиқдан-очиқ ёлғон; **~ая пра́вда** очиқ ҳақиқат.

НЕПРИЛИ́ЧИ/Е *с* 1 одобдан ташқарилик, беадаблик, уятлик; **~е посту́пка** қилиқнинг беадаблиги; **он груб до ~я** у одобдан ташқари қўпол; 2 одобдан ташқари (беадаб, уят) гап, иш, ҳаракат.

НЕПРИЛИ́ЧН/ЫЙ, -ая, -ое; -чен, -чна одобдан ташқари, беадаб, уят, нолойиқ, ношоён; **~ое поведе́ние** ношоён (одобдан ташқари) хатти-ҳаракат; **~ые слова́** уят гаплар.

НЕПРИМЕТН/ЫЙ, -ая, -ое; -тен, -тна 1 билинмайдиган, сезилмайдиган, кўз илғамайдиган, билинар-билинмас; кўздан нари; **на сне́жной равни́не доро́га была́ почти́ ~ой** қор билан қопланган водийда йўл деярли кўринмас (аранг кўриниб турар) эди; **~ая ра́зница** билинар-билинмас фарқ; 2 кўзга ташланмайдиган, оддий, кўримсиз; **~ый челове́к** оддий киши; **~ая вне́шность** кўримсиз қиёфа.

НЕПРИМИРИМ/ЫЙ, -ая, -ое 1 муросага келмайдиган, келиштириб (яраштириб) бўлмайдиган, ашадди, муросасиз; **~ый враг** ашадди душман; 2 келиштириб (бартараф қилиб) бўлмайдиган, муросасиз; **~ая кла́ссовая борьба́** муросасиз синфий кураш; **~ые противоре́чия** келиштириб бўлмайдиган зиддиятлар.

НЕПРИНУЖДЕ́ННО *нареч.* ўзини эркин тутиб (ҳис қилиб), тортинмасдан, бемалол; **вести́ себя́ ~** ўзини эркин тутмоқ; ўзини эркин ҳис қилмоқ; **~ бесе́довать** эркин (бемалол) суҳбатлашмоқ.

НЕПРИНУЖДЕ́ННОСТЬ *ж* 1 эркинлик, бемалоллик, ўзини эркин тутиш, бемалол ҳис этиш; 2 эркин (бемалол) ҳаракат (суҳбат, юриш-туриш ва ҳ. к.).

НЕПРИНУЖДЕННЫЙ, -ая, -ое эркин, бемалол, табиий; **~ая бесе́да** эркин суҳбат; **~ая по́за** табиий ҳолат.

НЕПРИСОЕДИНИВШИ/ЙСЯ: ~еся госуда́рства қўшилмаслик сиёсатини тутувчи (ҳарбий-сиёсий блокларга қўшилмаган) давлатлар.

НЕПРИСПОСО́БЛЕНН/ЫЙ, -ая, -ое 1 мослаштирилмаган, мувофиқлаштирилмаган; **~ое для жилья́ помеще́ние** яшаш учун мослаштирилмаган уй; 2 мослашмаган, қовушмаган; **лаёқатсиз, уқувсиз, нўноқ. ~ый челове́к** турмушга уқуви йўқ одам.

НЕПРИСТО́ЙНОСТ/Ь *ж* 1 беадаблик, уятлик, ёмонлик; **~ь поведе́ния** хулқнинг ёмонлиги; ахлоқсизлик; 2 ярамас хатти-ҳаракат, уят гап ва ҳ. к.; **говори́ть ~и** уят гаплар гапирмоқ.

НЕПРИСТО́ЙН/ЫЙ, -ая, -ое; -о́ен, -о́йна одобдан ташқари, беадаб, уят, ахлоқсизлик, ярамас, номуносиб, ношоён; **~ое поведе́ние** ёмон (ярамас) юриш-туриш.

НЕПРИСТУ́ПН/ЫЙ, -ая, -ое; -пен, -пна 1 эгаллаб бўлмайдиган, йўлаб (чиқиб) бўлмайдиган; **~ая верши́на** чиқиб бўлмайдиган тепалик; 2 олиб (забт этиб) бўлмайдиган; мустаҳкам; **~ая кре́пость** мустаҳкам қалъа; 3 *перен.* яқинлашиб (ёнига борнб) бўлмайдиган, димоғдор, такаббур, кибр-ҳавоси баланд; **~ый челове́к** яқинлашиб бўлмайдиган одам; **~ый вид** кибр-ҳаволи кўриниш.

НЕПРИСУТСТВЕННЫЙ, -ая, -ое *уст.* иш қилинмайдиган, иш йўқ, ёпиқ (кун, вақт); **~ день** иш йўқ кун (идора, маҳкама ва ҳ. к. ёпиқ кун).

НЕПРИТВОРН/ЫЙ, -ая, -ое; -рен, -рна ясама эмас, самимий, тўғри, чин, ростакам, астойдил; **~ое удивле́ние** астойдил (ростдан) ҳайратланиш.

НЕПРИТЯЗАТЕ́ЛЬНЫЙ, -ая, -ое; -лен, -льна оддий, камсуқум, сипоҳ, ноталабчан; **~ зри́тель** ноталабчан томошабин.

НЕПРИХОТЛИВ/ЫЙ, -ая, -ое 1 шикастнафс, қаноатли, борига қаноат қилувчи, оддий, сипоҳ, камсуқум, танламайдиган; **~ый в еде́** овқат танламайдиган (бор овқатга қаноат қилувчи); **~ое расте́ние** жой танламайдиган (беор) ўсимлик; **у него́ ~ый вкус** унинг дидига ҳар нарса ёқаверади, у инжиқликни билмайди; 2 оддий, содда; **~ое украше́ние** оддий безак; **~ая пи́ща** оддий таом.

НЕПРИЧАСТНОСТЬ *ж* алоқадор эмаслик; қатнашмаганлик, аралашмаганлик, алоқаси (муносабати, дахли) йўқлик; **~ к де́лу** ишга аралашмаганлик (қатнашмаганлик), ишга алоқаси йўқлик.

НЕПРИЯЗНЕННЫЙ, -ая, -ое хуш кўрмайдиган, ёқтирмайдиган, ёмон кўрадиган, зид; **~ взгляд** ёмон кўриб қараш, ғижиниб қараш.

НЕПРИЯЗНЬ *ж* хуш кўрмаслик; ёқтирмаслик; ёмон кўриш, совуқчилик, зидлик; **относи́ться с ~ю** *к кому-л.* зидлик билан қарамоқ, зид (совуқ) муносабатда бўлмоқ.

НЕПРИЯТЕЛЬ *м собир.* ёв, душман; душман қўшини.

НЕПРИЯТЕЛЬСКИЙ, -ая, -ое ёвга (душманга) оид, хос; душманларча; ёв..., душман...; **~ флот** душман флоти.

НЕПРИЯТНОСТЬ *ж* кўнгилсизлик, кўнгилсиз воқеа; **произошла́ ~** кўнгилсизлик юз берди; **кака́я ~!** қандай кўнгилсизлик!

НЕПРИЯТНЫЙ, -ая, -ое; -тен, -тна 1 ёқимсиз, ёмон; **~ за́пах** ёқимсиз ҳид; **~ челове́к** ёқимсиз одам; 2 кўнгилсиз, ноҳуш, совуқ, хунук; **~разгово́р** совуқ (ёқимсиз) гаплар; **~ слу́чай** кўнгилсиз воқеа.

НЕПРОБИВАЕМ/ЫЙ, -ая, -ое 1 ўқ ўтмайдиган; **~ая бро́ня** ўқ ўтмайдиган зирҳ; 2 *перен.* бузиб бўлмайдиган; **~ое споко́йствие** бузиб бўлмайдиган осойишталик.

НЕПРОБУ́ДН/ЫЙ, -ая, -ое; -ден, -дна 1 уйғотиб бўлмайдиган, донг қотган; жуда қаттиқ; **~ый сон** жуда қаттиқ (уйғотиб бўлмайдиган) уйқу; 2 *разг.* сурункали, узлуксиз; **~ое пья́нство** бош кўтармай (узлуксиз) ичиш.

НЕПРОГЛЯДН/ЫЙ, -ая, -ое; -ден, -дна ҳеч нарсани кўриб бўлмайдиган, зим-зиё, зимистон; **~ый тума́н** ҳеч нарсани кўриб бўлмайдиган (қуюқ) туман; **~ая тьма** тимқоронғилик, зимистон.

НЕПРОДУКТИ́ВН/ЫЙ, -ая, -ое; -вен, -вна 1 унумсиз, каммаҳсул, унуми (самараси) кам (ёки оз); у қадар фойда (наф) келтирмайдиган; **~ый труд** унумсиз меҳнат; 2 *лингв.* унумсиз; **~ые су́ффиксы** унумсиз суффикслар (кам ишлатиладиган, унча кўп янги сўзлар ясамайдиган суффикслар).

НЕПРОДУМАННЫЙ, -ая, -ое яхши (атрофлича) ўйланмаган; унча пишитилмаган, чала, хом; **~ докла́д** яхши ўйланмаган (пишитилмаган) доклад.

НЕПРОЕЗЖ/ИЙ, -ая, -ее арава, машина ва ш. к. юролмайдиган (ёки ўта олмайдиган); **~ая часть доро́ги**

www.ziyouz.com kutubxonasi

кўчанинг транспорт юрмайдиган қисми; **~ая у́лица** ўтиб бўлмайдиган кўча.

НЕПРОИЗВОДИ́ТЕЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое; -лен, -льна 1 самарасиз, баракасиз, фойдасиз, унумсиз, беҳуда; **~ый труд** унумсиз меҳнат; **~ые расхо́ды** беҳуда харажатлар; 2 моддий бойлик ишлаб чиқаришда қатнашмайдиган; **~ая часть населе́ния** аҳолининг моддий бойликлар ишлаб чиқаришда қатнашмайдиган қисми.

НЕПРОИЗВО́ЛЬНЫ/Й, -ая, -ое; -лен, -льна ихтиёрсиз, беихтиёр, ғайриихтиёрий; **~е движе́ния** ғайриихтиёрий ҳаракатлар; **~й смех** беихтиёр кулги, ихтиёрсиз кулиб юбориш.

НЕПРОЛА́ЗН/ЫЙ, -ая, -ое; -зен, -зна ўтиб бўлмайдиган, ўтиш жуда қийин бўлган; **~ая грязь** ўтиб бўлмайдиган балчиқ (лой).

НЕПРОМОКА́ЕМЫЙ, -ая, -ое сув ўтмайдиган (ўтказмайдиган), нам тортмайдиган; **~ плащ** сув ўтмайдиган (ўтказмайдиган) плащч.

НЕПРОНИЦА́ЕМ/ЫЙ, -ая, -ое 1 ўтказмайдиган, ўтмайдиган; **~ая перегоро́дка** овоз ўтказмайдиган (ўтмайдиган) тўсиқ; 2 ҳеч нарса кўриб бўлмайдиган, зим-зиё; **~ая ьма** ҳеч нарса кўриб бўлмайдиган қоронғилик, тимқоронғилик; 3 *перен.* тушуниб бўлмайдиган, ақл етмайдиган; **~ая та́йна** ақл етмайдиган сир; 4 *перен.* индамас, писмиқ, ичдан пишган; **~ый челове́к** писмиқ одам.

НЕПРОНИЦА́ТЕЛЬНЫЙ, -ая, -ое; -лен, -льна идроксиз, сезгир (ўткир) бўлмаган, идроки (фаросати) йўқ, зеҳни паст; **~ наблюда́тель** идроки йўқ кузатувчи.

НЕПРОСВЕЩЁННЫЙ, -ая, -ое маърифатдан маҳрум, ўқимаган, жаҳолатда қолган; нодон; **~ челове́к** ўқимаган (жаҳолатда қолган) одам.

НЕПРОСТИ́ТЕЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое; -лен, -льна кечирилмайдиган, кечириб бўлмайдиган, кечирилмас, узрсиз; **~ое легкомы́слие** кечирилмас енгилтаклик.

НЕПРОТИВЛЕ́НИЕ *с:* **~злу (наси́лием)** ёмонликка (ёвузликка) қаршилик қилмаслик; ёмонликка бўйин қўйиш (Л. Н. Толстойнинг идеалистик диний-фалсафий таълимоти).

НЕПРОТИВЛЕ́НЧЕСКИ/Й, -ая, -ое ёмонликка (ёвузликка) қаршилик кўрсатмаслик руҳидаги; **~е взгля́ды** ёмонликка (ёвузликка) қаршилик кўрсатмаслик руҳидаги қарашлар.

НЕПРОФИЛИРУЮЩИ/Й, -ая, -ее профилни (ихтисосни) белгиламайдиган, қўшимча, ёрдамчи; **~е дисципли́ны** профилни (ихтисосни) белгиламайдиган (қўшимча, ёрдамчи) фанлар.

НЕПРОФИЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое *спец.* профиль (шакл) берилмаган, профилланмаган; **~ая проду́кция** профилланмаган маҳсулот.

НЕПРОХОДИ́МОСТЬ *ж* 1 ўтиб бўлмайдиганлик; ўтиш қийинлик; 2 *мед.* беркилиб қолиш; ўтмай қолиш; **~ кише́чника** ичакларнинг беркилиб қолиши; ичаклардан овқат ўтмай қолиши.

НЕПРОХОДИ́М/ЫЙ, -ая, -ое 1 ўтиб бўлмайдиган, ўтиш қийин; **~ое боло́то** ўтиб бўлмайдиган ботқоқлик; 2 *перен. разг.* бориб турган, ўтакетган, уччига чиққан, ғирт; **~ый дура́к** ғирт аҳмоқ.

НЕПРО́ЧН/ЫЙ, -ая, -ое; -чен, -чна 1 бўш, чидамсиз, пишиқ (пухта) эмас, чидамайдиган, бепанд; **~й материа́л** бўш материал; **~е строе́ния** бепанд иморатлар; 2 *перен.* беқарор, омонат, узоққа бормайдиган; **~е отноше́ния** беқарор (унча узоққа бормайдиган) муносабатлар.

НЕПРОШЕН/ЫЙ, -ая, -ое 1 айтилмаган, чақирилмаган, таклиф қилинмаган, чорланмаган; **~ый гость** айтилмаган (чақирилмаган) меҳмон; 2 сўралмаган, хоҳланмаган; **~ое вмеша́тельство** ўзича (биров хоҳламаган ҳолда) аралашув; 3 беихтиёр, ихтиёрдан ташқари, ғайриқонуний, ғайриихтиёрий; **~ые слёзы** беихтиёр оққан кўз ёши; **~ые мы́сли** беихтиёр миядан келган фикрлар.

НЕПУТЁВЫЙ, -ая, -ое *разг.* 1 енгилтак, бебош, саёқ, бузуқ, ишратпараст; **~ па́рень** бебош йигит; 2 эпашанг, эпсиз, ландавур.

НЕПЬЮЩИЙ, -ая, -ее ичмайдиган, ичкилик истеъмол қилмайдиган; **он челове́к ~ у (ичкилик) ичмайдиган одам.**

НЕРАБОТОСПОСО́БН/ЫЙ, -ая, -ое; -бен, -бна ишга яроқсиз (лаёқатсиз), иш қилолмайдиган, ишлай олмайдиган; **~ая часть населе́ния** аҳолининг ишга лаёқатсиз (ишлай олмайдиган) қисми.

НЕРАБО́Ч/ИЙ, -ая, -ее 1 ишламайдиган, иш (меҳнат) қилмайдиган, ишламасдан (меҳнат қилмасдан) кун кечирадиган; **~ий челове́к** ишламайдиган (меҳнат қилмайдиган) одам; 2 ишчиларга (меҳнаткашларга) мансуб (хос) бўлмаган, ишчиларга тааллуқлиги йўқ, ишламаган, меҳнат қилмаган;— **Разгово́р изоблича́ет ва́ше ~ее происхожде́ние** (Шолохов)— Суҳбат сизнинг асли ишчилардан эмаслигингизни кўрсатиб турибди; **~не ру́ки** ишламаган (меҳнат қилмаган) қўллар, нозик қўллар; 3 ишда (иш вақтида) фойдаланилмайдиган; **~ая оде́жда** иш вақтида кийилмайдиган кийим, кишилик кийим; 4 ишда (ишлатиш учун) фойдаланилмайдиган, фойдали иш қилмайдиган; **~ий скот** ишда фойдаланилмайдиган уй ҳайвонлари; 5 иш қилинмайдиган, ишдан холи, бекор; **~ее вре́мя** ишдан холи вақт; **~ий день** иш қилинмайдиган (бекор) кун; 6 ишга тегишли имкон (ёки ҳафсала) йўқ; **~ая обстано́вка** ишга тегишли имкон йўқ шароит; **~ее настрое́ние** ишга ҳафсала йўқ кайфият.

НЕРАВЕНСТВ/О *с* 1 тенгсизлик, баравар (тенг, бирдек) эмаслик; **социа́льное ~о** социал тенгсизлик; 2 *мат.* тенгсизлик (бир миқдорнинг иккинчисидан катта ё кичиклигини кўрсатувчи алгебраик ифода); **знак ~а** тенгсизлик белгиси (аломати).

НЕРАВНОДУ́Ш/НЫЙ, -ая, -ое; -шен, -шна яхши кўрадиган, кўнгил қўйган, кўнгли (майли) бор; ўч;— **Я то́чно ~ен к Ве́рочке** (Тургенев)— Мен аниқ Верочкани яхши кўраман; **он ~ен к сла́дкому** у ширинликка ўч.

НЕРАВНОПРА́ВИЕ *с* ҳуқуқий тенгсизлик, ҳуқуқий жиҳатдан тенг (баравар) эмаслик, тенг ҳуқуққа эга эмаслик; **национа́льное ~ в капиталисти́ческом о́бществе** капиталистик жамиятда миллатларнинг ҳуқуқий тенгсизлиги.

НЕРАВНОПРА́ВНЫ/Й, -ая, -ое; -вен, -вна ҳуқуқий жиҳатдан тенгсиз, тенг (баравар) ҳуқуққа эга бўлмаган; тенг ҳуқуқ бермайдиган; **~е на́ции** тенг ҳуқуққа эга бўлмаган миллатлар; **~й догово́р** тенг ҳуқуқ бермайдиган (имтиёзли) шартнома.

НЕРА́ВНЫ/Й, -ая, -ое; -вен, -вна́, -вно 1 тенг (баравар) эмас, тенг бўлмаган; **~е си́лы** тенг бўлмаган кучлар; 2 томонлар тенг (баравар ёки муносиб) эмас, тенгсиз; **~й брак** тенгсиз никоҳ; **~й бой** тенгсиз жанг (кучлар нисбати тенг бўлмаган томонлар ўртасидаги жанг).

НЕРАДИ́В/ЫЙ, -ая, -ое беҳафсала, бепарво, бепам; ишёқмас; **~ый рабо́тник** бепарво (ишёқмас) ходим; **~ое отноше́ние к де́лу** ишга бепарволик билан қараш.

НЕРАЗБЕРИ́ХА *ж разг.* чалкашлик, чигаллик, тартибсизлик; чатоқлик; **~ в дела́х** ишдаги чалкашликлар.

НЕРАЗБО́РЧИВ/ЫЙ, -ая, -ое 1 ноаниқ, чаплашиб кетган, ўқиб бўлмайдиган; **~ый по́черк** ноаниқ дастхат; 2 ноаниқ, мўҳмал, тушуниб бўлмайдиган; **~ая речь** ноаниқ нутқ; 3 бефарқ, танламайдиган, яхши-ёмонини фарқ қилмайдиган, фарқига бормайдиган; **~ый вкус** бефарқ дид; 4 ҳеч нарсадан қайтмайдиган, ҳазар қилмайдиган, бефарқ;— **Брат Плато́н на знако́мства ~** (Гоголь) Платон оға ошна-оғайнигарчиликда ҳеч кимдан ҳазар қилмайди.

НЕРАЗВЕДА́ННЫ/Й, -ая, -ое разведка қилинмаган, текширилмаган, ўрганилмаган, аниқланмаган; **~е пусты́ни** ўрганилмаган чўллар; **~е запа́сы не́фти** аниқланмаган нефть запаслари.

НЕРАЗГОВО́РЧИВЫЙ, -ая, -ое камгап, камсухан, индамас.

НЕРАЗДЕЛЁННЫЙ, -ая, -ое 1 бўлинмаган, тақсимланмаган, қисмларга ажратилмаган; **~ая добы́ча** бўлиб олинмаган ўлжа; 2 *перен.* жавобсиз, бир томонлама; **~ая любо́вь** бир томонлама муҳаббат.

НЕРАЗДЕЛИ́М/ЫЙ, -ая, -ое ажралмас, ажралмайдиган, ажратиб бўлмайдиган; бўлинмайдиган; бузилмас; **сою́з наш ~** бизнинг иттифоқимиз бузилмасдир; **фо́рма и содержа́ние ~ы** шакл билан мазмунни бир-биридан ажратиб бўлмайди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

НЕРАЗДЕ́ЛЬНЫЙ, -ая, -ое; -лен, -льна 1 бўлинмас, бўлинмайдиган, ўртадаги, муштарак; ~ **уча́сток** муштарак участка; 2 бир бутунлик ташкил қиладиган, бир бутун.

НЕРАЗЛИЧИ́МЫЙ, -ая, -ое 1 кўриб бўлмайдиган, яхши кўринмайдиган; **в тума́не ~ окружа́ющие предме́ты** туманда атрофдаги нарсаларни яхши кўриб бўлмайди; 2 фарқлаб бўлмайдиган, ажратиб (фарқ қилиб) бўлмайдиган; ~**е цвета́** биридан бирини ажратиб (фарқ қилиб) бўлмайдиган ранглар.

НЕРАЗЛО́ЖИМ/ЫЙ, -ая, -ое қисмларга бўлинмайдиган, бўлакларга ажралмайдиган; ~**ое словосочета́ние** қисмларга бўлинмайдиган сўз бирикмаси.

НЕРАЗЛУ́ЧНЫ/Й, -ая, -ое; -чен, -чна айрилмас, ажралмас; ~**е друзья́** ажралмас дўстлар.

НЕРАЗМЕ́ННЫЙ, -ая, -ое майдаланмайдиган, майдалаб (майда қилиб) бўлмайдиган (пул ҳақида); ~**ая моне́та** майдаланмайдиган танга-чақа.

НЕРАЗРЕШЁННЫЙ, -ая, -ое 1 тақиқланган, ман қилинган; ~**ая кни́га** тақиқланган китоб; 2 ҳал бўлмаган, ҳал қилинмаган, ечилмаган; ~**ый вопро́с** ҳал қилинмаган масала; ~**ое де́ло** ҳал бўлмаган иш.

НЕРАЗРЕШИ́МЫЙ, -ая, -ое ҳал қилиб (ечиб, бартараф қилиб) бўлмайдиган, қийин, мушкул; ~**ый вопро́с** қийин (мушкул) масала; ~**ая зада́ча** ечиб бўлмайдиган масала; ~**ые противоре́чия** ҳал (бартараф) қилиб бўлмайдиган зиддиятлар.

НЕРАЗРЫВН/ЫЙ, -ая, -ое; -вен, -вна ажралмас, ажралмайдиган; чамбарчас боғланган, маҳкам, мустаҳкам; ~**ая связь** мустаҳкам алоқа; ~**ая дру́жба** мустаҳкам дўстлик.

НЕРАЗУ́МНЫЙ, -ая, -ое; -мен, -мна 1 ақли йўқ, беақл, ақлсиз, калтафаҳм; ~ **челове́к** беақл одам; 2 номаъқул, бемаъни, ўйламасдан қилинган; ~ **посту́пок** номаъқул иш.

НЕРАСПОЛОЖЕ́НИЕ *с* майли (кўнгли) йўқлик, мойил эмаслик, кўнгилсизлик, севмаслик, ёқтирмаслик; **чу́вствовать** ~ *к кому-л.* бировни ёқтирмаслик.

НЕРАСПОРЯДИ́ТЕЛЬНЫЙ, -ая, -ое; -лен, -льна ташкилотчилик қобилияти йўқ, бошқара (идора қила, ташкил эта) олмайдиган, ишнинг кўзини билмайдиган, тадбирсиз; ~ **руководи́тель** тадбирсиз раҳбар.

НЕРАССУДИ́ТЕЛЬНЫЙ, -ая, -ое; -лен, -льна мулоҳазасиз; бемулоҳаза, бемуҳокама; ~ **челове́к** мулоҳазасиз одам; ~ **посту́пок** бемулоҳаза иш.

НЕРАСТОРЖИ́М/ЫЙ, -ая, -ое бузилмас, бузилмайдиган, бекор қилинмайдиган, бекор қилиб бўлмайдиган; ~**ые у́зы дру́жбы** бузилмас дўстлик алоқалари; ~**ая дру́жба** бузилмас дўстлик; ~**ый догово́р** бузилмас (бузиб бўлмайдиган) аҳднома.

НЕРАСТОРО́ПНЫЙ, -ая, -ое; -пен, -пна шошилмайдиган, сусткаш, суст, имиллаган, судралган, тепса-тебранмас; ~ **продаве́ц** имиллаган сотувчи; ~ **челове́к** судралган одам.

НЕРАСЧЁТЛИВЫ/Й, -ая, -ое режасиз, расомадсиз; бережа, бебилиска, беҳисоб-бекитоб; ~**й челове́к** режасиз одам; ~**е расхо́ды** бебилиска (беҳисоб-бекитоб) харажатлар.

НЕРВ *м* 1 нерв, асаб: **зри́тельный** ~ кўриш нерви; **дви́гательный** ~ ҳаракатлантирувчи нерв; 2 *мн.* ~**ы** *разг.* нерв системаси, асаблар, асабият; **больны́е** ~**ы** касал нервлар; **у него́ кре́пкие** ~**ы** унинг асаби мустаҳкам;— **Не серди́тесь, у меня́** ~**ы расстро́ены** (Герцен)— Жаҳлингиз чиқмасин, менинг асабларим жойида эмас; 3 *перен. чего* или *какой* асосий ҳаракатлантирувчи куч, марказ; ✦ **де́йствовать на** ~**ы** *кому* асабига тегмоқ, ғашини келтирмоқ; **игра́ть на** ~**ах** *чьих* жиғига (ғашига) тегмоқ, тегажоғлик қилмоқ.

НЕ́РВИР/ОВАТЬ *несов. кого-что* асабийлантирмоқ, асабини бузмоқ, нервига (асабига) тегмоқ, ғашини келтирмоқ, диққат (тажанг) қилмоқ; диққатини оширмоқ; **шум** ~**ует меня́** шовқин ғашимга тегади (асабимни бузади); **его́** ~**ует мале́йшее затрудне́ние** салгина қийинчилик унинг асабига тегади (асабини бузади); салгина қийналса унинг диққати ошиб кетади.

НЕ́РВНИЧАТЬ *несов.* асабийлашмоқ, диққат (тажанг) бўлмоқ, диққати ошиб кетмоқ.

НЕРВНОБОЛЬН/О́Й, -а́я, -о́е 1 нерв (асаб) касаллигига (асабий касалликка) йўлиққан; ~**о́й челове́к** нерв (асаб) касаллигига йўлиққан бемор, 2 *в знач. сущ.* ~**о́й** *м;* ~**а́я** *ж* асабий (асаб) касаллигига йўлиққан одам; **кли́ника для** ~**ых** асаб касалликлари клиникаси.

НЕ́РВНОСТЬ *ж* асабийлик, тажанглик.

НЕ́РВН/ЫЙ, -ая, -ое 1 нервга (асабга) оид; асабий; нерв..., асаб...; ~**ые кле́тки** нерв ҳужайралари; ~**ые боле́зни** асаб касалликлари; асабий касалликлар; 2 асаби бузуқ, асабий, тажанг; ~**ый ребёнок** асабий бола; 3 асабий (асабларнинг қўзғалиши ёки асаб системасининг бузилиши билан боғлиқ бўлган); ~**ое состоя́ние** асабий ҳолат; ~**ый припа́док** асабий тутқаноқ, қуёнчиқ касаллиги; 4 *разг.* асабни қўзғатадиган, диққат (тажанг) қиладиган, диққатни оширадиган, сердиққат; ~**ая рабо́та** сердиққат иш.

НЕРВОЗН/ЫЙ, -ая, -ое; -зен, -зна 1 асабий, тажанг; ~**ый челове́к** асабий (тажанг) одам; 2 асабийланган, асаби қўзғаган, асабий; ~**ое состоя́ние** асабийланган (асабий) ҳолат; 3 асабларни қўзғатадиган, асабни бузадиган, диққат (тажанг) қиладиган, диққатни оширадиган; ~**ая обстано́вка** асабларни қўзғатадиган ҳолат (шароит).

НЕРВОТРЁПКА *ж разг.* асабга тегиш, асабларни бузиш, диққатвозлик.

НЕРЕА́ЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое; -лен, -льна 1 нореал, ҳақиқатда йўқ, хаёлий, фантастик; ~**ая карти́на** нореал манзара; 2 бажариб (амалга ошириб) бўлмайдиган, амалга ошмайдиган, нореал, пуч; ~**ый план** бажариб бўлмайдиган план.

НЕРЕГУЛЯ́РН/ЫЙ, -ая, -ое; -рен, -рна 1 номунтазам, доимий эмас, вақти-вақти билан бўладиган; ~**ая рабо́та** номунтазам (вақти-вақти билан қилинадиган) иш; 2 номунтазам, керак вақтда тузиладиган; ~**ое во́йско** номунтазам қўшин.

НЕРЕ́ДК/ИЙ, -ая, -ое; -док, -дка́, -дко унчалик оз эмас, тез-тез бўлиб (учраб) турадиган, кўп учрайдиган; ~**ое явле́ние** тез-тез бўлиб (учраб) турадиган ҳодиса.

НЕРЕ́ДКО *нареч.* кўп, кўпинча, тез-тез, дамба-дам; **он** ~ **быва́ет в институ́те** у институтга тез-тез келиб туради.

НЕРЕ́ДКОСТЬ *ж* оддий ҳол, кўпинча (кўп, тез-тез) бўлиб (учраб) турадиган ҳол (ҳодиса, нарса ва ш. к.).

НЕРЕНТАБЕЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое; -лен, -льна норентабел, рентабел эмас, харажатларни қопламайдиган, ўзини-ўзи кўтармайдиган, фойдасиз; ~**ое хозя́йство** норентабел хўжалик.

НЕ́РЕСТ *м* балиқларнинг увулдириқ сочиши ва айни вақтда эркак балиқларнинг уларни уруғлантириши.

НЕРЕСТИ́ЛИЩЕ *с* балиқлар увулдириқ сочадиган жой.

НЕРЕСТИ́ТЬСЯ, -и́тся *несов.* уруғ (увулдириқ) сочмоқ.

НЕРЕШИ́ТЕЛЬНО *нареч.* иккиланиб, тараддуд (қатъиятсизлик) билан, қўрқа-писа; ~ **войти́** *куда-л.* қўрқа-писа кирмоқ.

НЕРЕШИ́ТЕЛЬНЫЙ, -ая, -ое; -лен, -льна иккиланувчи, тараддудланувчи, тараддудли, журъатсиз, қатъиятсиз, ланж; ~ **челове́к** журъатсиз одам; ланж одам; ~ **отве́т** иккиланиб (тараддуд билан) берилган жавоб, ланж жавоб.

НЕРЖАВЕ́ЙКА *ж разг. то же, что* **нержавеющая сталь**; *см.* **нержавеющий**.

НЕРЖАВЕ́ЮЩ/ИЙ, -ая, -ее зангламайдиган, занг босмайдиган; ~**ая сталь** зангламайдиган пўлат.

НЕРО́ВНОСТ/Ь *ж* 1 *см* **неро́вный**; 2 нотекис (ғадир-будур, паст-баланд) жой, нотекислик, ғадир-будурлик, паст-баландлик; ~ **и доро́ги** йўлнинг паст-баландликлари.

НЕРО́ВН/ЫЙ, -ая, -ое; -вен, -вна 1 нотекис, ғадир-будур, паст-баланд, ўнқир-чўнқир; ~**ая доро́га** нотекис йўл; 2 қийшиқ, қинғир-қийшиқ, эгри-бугри; ~**ая черта́** қийшиқ (эгри-бугри) чизиқ; 3 *разг.* бирдак (баравар) эмас; ҳар хил, бир текисда бўлмаган; ~**ая ширина́ мра́морных плит** мармар плиталар энининг баравар эмаслиги; 4 нотекис, норитмик; бир маромда бўлмаган; ~**ый пульс** томирнинг нотекис уриши; ~**ое дыха́ние** нотекис нафас олиш; 5 ўзгарувчан, беқарор, бетайин; ~**ый хара́ктер** бетайин характер.

www.ziyouz.com kutubxonasi

НЕРОВНЯ и **НЕРОВНЯ́** *м* и *ж разг.* тенг (муносиб) эмас; Да ведь **он ста́рый! Тебе́** ~ (Мельников-Печерский) У ахир қари-ку! Сенинг тенгинг эмас.

НЕ́РПА *ж* нерпа (тюленлар оиласига мансуб сутэмизувчи ҳайвон).

НЕ́РПОВ/ЫЙ, -ая, -ое нерпага оид; нерпа...; **~ая ша́пка** нерпа телпак.

НЕРУ́ДНЫ/Й, -ая, -ое руда бўлмаган, руда эмас, норуда; **~е ископа́емые** руда бўлмаган (норуда) қазилмалар.

НЕРУКОТВО́РНЫЙ, -ая, -ое; -рен, -рна *высок.* қўл билан яратиб (бино қилиб) бўлмайдиган; **~ па́мятник** қўл билан яратиб бўлмайдиган ёдгорлик.

НЕРУ́ССКИ/Й, -ая, -ое рус бўлмаган, русча (русларга мансуб, хос) эмас; ғайрирус; **шко́ла с ~м языко́м обуче́ния** дарслар рус тилидан бошқа тилда олиб бориладиган мактаб; **уче́бник ру́сского языка́ для ~х** рус тилининг ғайрируслар учун белгиланган дарслиги.

НЕРУШИ́М/ЫЙ, -ая, -ое бузилмас, бузилмайдиган, мустаҳкам, маҳкам; **~ая дру́жба наро́дов СССР** СССР халқларининг бузилмас дўстлиги; **~ая тишина́** сув қуйгандай жимжитлик.

НЕРЯ́ХА *м* и *ж* исқирт одам; ислиқи, палпис.

НЕРЯ́ШЛИВ/ЫЙ, -ая, -ое 1 исқирт, ислиқи, палпис; **~ый челове́к** исқирт одам; **~ая оде́жда** исқирт (пала-партиш) кийим; 2 эътиборсизлик билан (наридан-бери, пала-партиш) ишланган, чала-чулпа; **~ая рабо́та** чала-чулпа иш.

НЕСБЫТО́ЧНЫ/Й, -ая, -ое; -чен, -чна юзага (рўёбга) чиқмайдиган, амалга ошмайдиган, ушалмайдиган, маҳол; **~е мечты́** ушалмайдиган орзулар.

НЕСВАРЕ́НИЕ *с*: **~ желу́дка** меъданинг сустлиги (овқатни ҳазм қила олмаслиги).

НЕСВЕДУ́ЩИЙ, -ая, -ее унча (етарлича) билмайдиган, бехабар, хабари (билими) йўқ, билимсиз; **он ~ в бухгалте́рии** унинг бухгалтериядан хабари йўқ; у бухгалтерияни билмайди.

НЕСВЕ́Ж/ИЙ, -ая, -ее 1 эскириб қолган; бузилган, айниган; **~ие проду́кты** эскириб (бузилиб) қолган озиқ-овқатлар; 2 ўнгиб (ранги кетиб) қолган, ўчган, айниган, хира тортган; **~ие кра́ски** ўнгиб (айниб, хира тортиб) қолган бўёқлар; 3 сўлқиллама эмас, ранги кетган, синиққан, рангпар, сўлғин, ҳорғин; **~ий вид** рангпар кўриниш; рангини олдирганлик; **~ее лицо́** сўлғин (хорғин) юз; 4 *разг.* эски, эскирган, илгаридан маълум, янги эмас; **~ий но́мер газе́ты** газетанинг эски сони; **~ие да́нные** эскирган маълумотлар; 5 эски, тутилган, кийилган; **~ая руба́шка** кийилган кўйлак; 6 ифлосланган, айниган, туриб (айниб, димиқиб) қолган; **~ий во́здух** ифлосланган ҳаво; **~ая вода́** туриб (айниб, димиқиб) қолган сув.

НЕСВЯЗНЫ/Й, -ая, -ое; -зен, -зна боғланмаган, ёпишмаган, боғланишсиз, пойма-пой, пойинтар-сойинтар; **~й текст** пойинтар-сойинтар текст; **~е слова́** пойма-пой гаплар.

НЕСГИБА́ЕМ/ЫЙ, -ая, -ое 1 букилмайдиган, эгилмайдиган, букиб (эгиб) бўлмайдиган; **~ая про́волока** букилмайдиган сим; 2 *перен.* букилмас, эгилмас, мустаҳкам, маҳкам, саботли, матонатли; **челове́к ~ой во́ли** мустаҳкам иродали одам.

НЕСГОВО́РЧИВЫЙ, -ая, -ое гапга кўнмайдиган (унамайдиган), муомалага юрмайдиган, ўжар, қайсар, терс; **~ челове́к** гапга кўнмайдиган (муомалага юрмайдиган) одам; ўжар (қайсар) одам.

НЕСГОРА́ЕМЫ/Й, -ая, -ое ёнмайдиган, ёнмас, куймас; **~е материа́лы** ёнмайдиган материаллар; **~й шкаф** пўлат сандиқ.

НЕСДЕ́РЖАНН/ЫЙ, -ая, -ое 1 бажо келтирилмаган, адо этилмаган, бузилган (сўз, ваъда, қасам ва ҳ. к. ҳақида); **~ая кля́тва** адо этилмаган (бузилган) қасам; 2 ўзини тута (тия) олмасдан қилинган, жаҳл билан (қизишиб) айтилган, ихтиёрсиз, тийиқсиз; **~ая речь** ўзини тута олмай айтилган қаттиқ гап; 3 ўзини тута (боса) олмайдиган; **~ый челове́к** ўзини тута олмайдиган одам; **~ый хара́ктер** енгиллик, ўзини тутолмаслик.

НЕСДОБРОВА́ТЬ *сов. кому-чему* албатта (муқаррар) жазосини кўрмоқ, адабини емоқ, гирифтор бўлмоқ, йўлиқмоқ, қочиб қутула олмаслик; **ему́ ~** у албатта жазосини кўради (адабини ейди); у қочиб қутула олмайди.

НЕСЕ́НИЕ *с* бажариш, ўташ, адо этиш, қилиш; **~ кара́ульной слу́жбы** соқчилик қилиш.

НЕСЕРЬЁЗН/ЫЙ, -ая, -ое; -зен, -зна 1 жиддий эмас, енгил, енгилтак, енгилтабиат, бачкана, юзаки; **~ый ю́ноша** енгил (енгилтабиат) йигит; **~ое отноше́ние к де́лу** ишга жиддий муносабатда бўлмаслик; 2 унча муҳим (жиддий) эмас, аҳамиятсиз, арзимаган, шунчаки; жузъий; **~ая ра́на** арзимаган яра; **~ый разгово́р** арзимаган (шунчаки) гап.

НЕСКАЗА́НН/ЫЙ, -ая, -ое 1 ифодалаб (таърифлаб, баён қилиб) бўлмайдиган; таърифга сиғмайдиган; **красота́ ~ая** таърифга сиғмайдиган гўзаллик; 2 фавқулодда, жуда катта, зўр, улкан, бениҳоят даражадаги; **~ый успе́х** жуда катта муваффақият.

НЕСКЛА́ДН/ЫЙ, -ая, -ое; -ден, -дна 1 бичими (сохти) келишмаган, бесўнақай, беўхшов; **~ая фигу́ра** бесўнақай қомат; **~ая оде́жда** беўхшов кийим; 2 келишмаган, ёпишмаган, боғланмаган, боғланишсиз, ғализ; уйғунсиз; **~ый расска́з** келишмаган ҳикоя; **~ое пе́ние** уйғунсиз куйлаш; 3 ўнгмаган, бемаъни; **~ая жизнь** ўнгмаган (бемаъни) ҳаёт.

НЕСКЛОНЯ́ЕМ/ЫЙ, -ая, -ое *грам.* турланмайдиган; **~ое существи́тельное** турланмайдиган от.

НЕ́СКОЛЬК/О I *числ.* бир қанча, бир неча, бир талай; неча-неча; **прошло́ ~о лет** бир неча йил ўтди; **~о раз** бир неча марта; ✦ **в ~их слова́х** қисқа (лўнда) қилиб; бир неча (бир-икки оғиз) сўз билан.

НЕ́СКОЛЬКО II *нареч.* бир қадар, бир мунча, бир оз, сал, сал-пал, озгина, андак; **вы ~ отвлекли́сь от те́мы** сиз мавзудан сал четга чиқиб кетдингиз; **он ~ успоко́ился** у бир оз тинчланди.

НЕСКО́НЧАЕМЫ/Й, -ая, -ое 1 жуда узун (узоқ), узундан-узоқ; **~й путь** жуда узоқ йўл; 2 охир-поёни йўқ, чексиз, беҳад, сира тугамайдиган; кети узилмайдиган; **~е спо́ры** сира (ҳеч) тугамайдиган баҳслар.

НЕСКРО́МНОСТЬ *ж* 1 *см.* **нескро́мный;** 2 ножўя ҳаракат, чакки иш (гап), беадаблик, густохлик; **допусти́ть ~** беадаблик қилмоқ.

НЕСКРО́МН/ЫЙ, -ая, ое; -мен, -мна 1 камтар (сипо) эмас, камтарликни (сипогарчиликни) билмайдиган, густох; **~ый челове́к** камтарликни билмайдиган одам; густох; 2 ўзига бино қўйган, манман, кибри-ҳавоси баланд, кибр-ҳаволи, мақтанчоқ; **~ый а́втор** манман (ўзига бино қўйган) автор; **~ое выступле́ние** кибр-ҳаволи нутқ; 3 беадаб, уятсиз, ҳаёсиз, орсиз; **~ый жест** беадаб имо-ишора; **~ый взгляд** ҳаёсиз қараш; **~ый анекдо́т** беадаб латифа.

НЕСКРЫВА́ЕМЫ/Й, -ая, -ое очиқдан-очиқ, кўриниб турган, очиқ, ошкора; **с ~м интере́сом** очиқдан-очиқ қизиқиш билан, қизиқаётганлигини яширмасдан.

НЕСЛОВООХО́ТЛИВЫЙ, -ая, -ое кам гапирадиган, камгап, камсухан, индамас.

НЕСЛО́ЖН/ЫЙ, -ая, -ое; -жен, -жна 1 унча мураккаб эмас, оддий, содда; **~ый механи́зм** оддий (содда) механизм; **~ый рису́нок** содда расм; 2 оддий, содда, очиқ кўнгил; **~ая нату́ра** очиқ кўнгил одам; 3 унча қийин (оғир, мураккаб) эмас, осон, жўн, енгил; **~ая зада́ча** осон масала.

НЕСЛЫХА́ННЫЙ, -ая, -ое қулоқ эшитмаган, эшитилмаган, мисли кўрилмаган, мисли-сиз, ажойиб; **~ успе́х** мисли кўрилмаган муваффақият.

НЕСЛЫ́ШН/Ы/Й, -ая, -ое; -шен, -шна эшитилмас, эшитиб бўлмайдиган, товушсиз, шовқинсиз; оҳиста; **подойти́ ~ми шага́ми** оҳиста қадам босиб (оёқ учида) яқинлашмоқ.

НЕСМЕ́ТНЫ/Й, -ая, -ое; -тен, -тна сон-саноқсиз, беҳисоб кўп, жуда катта, беҳад, беҳисоб, беадад, битмас-туганмас; **~е си́лы** битмас-туганмас куч.

НЕСМИНА́ЕМЫЙ, -ая, -ое ғижимланмайдиган, ғижим бўлмайдиган, эзилмайдиган; **~материа́л** эзилмайдиган материал.

НЕСМОЛКА́ЕМЫЙ, -ая, -ое овози ўчмайдиган, сира тинмайдиган, тўхтамайдиган, давомли; **~ шум** сира тинмайдиган шовқин.

НЕСМОТРЯ *предлог с вин.* қарамай, қарамасдан, бўлса ҳам; **~ на по́здное вре́мя** кеч бўлиб қолганлигига қарамай; **~ ни на что** ҳеч нарсага қарамасдан.

www.ziyouz.com kutubxonasi

НЕСМЫВАЕМЫЙ, -ая, -ое 1 ювиб (кетказиб, тозалаб) бўлмайдиган, ювган билан кетмайдиган; ~**е кра́ски** ювиб кетказиб бўлмайдиган (ювган билан кетмайдиган) бўёқлар; 2 *перен.* сира оқлаб (ювиб) бўлмайдиган, абадий доғ бўлиб қоладиган; ~**й позо́р** сира ювиб бўлмайдиган шармандалик, абадий доғ бўлиб қоладиган шармандалик.

НЕСМЫШЛЁНЫЙ *м разг.* унча идрокли (фаҳмли) бўлмаган, тез тушунавермайдиган, зеҳни паст, пўстак.

НЕСНОСН/ЫЙ, -ая, -ое; -сен, -сна чидаб (тоқат қилиб) бўлмайдиган, жуда оғир (ёмон), қаттиқ, бадҳазм, бадфеъл; ~**ый хара́ктер** жуда оғир характер, бадфеъллик; ~**ый челове́к** бадҳазм одам, ~**ая пого́да** жуда ёмон обҳаво; ~**ая жара́** чидаб бўлмайдиган иссиқ, жазирама.

НЕСОБЛЮДЕ́НИЕ *с* риоя (амал) қилмаслик, сақламаслик, бузиш; ~ **дие́ты** парҳез сақламаслик, парҳезни бузиш; ~ **пра́вил те́хники безопа́сности** хавфсизлик техникаси қоидаларига риоя қилмаслик.

НЕСОВЕРШЕННОЛЕ́ТИЕ *с* вояга (балоғат ёшига) етмаганлик, болиғ эмаслик, норасидалик, сағирлик.

НЕСОВЕРШЕННОЛЕ́ТН/ИЙ, -яя, -ее 1 вояга (балоғатга) етмаган, болиғ бўлмаган, норасида, ёш, сағир; 2 *в знач. сущ.* ~**ий** *м* норасида бола; ~**яя** *ж* норасида (бўйига етмаган) қиз.

НЕСОВЕРШЕ́ННЫЙ I, -ая, -ое мукаммал (баркамол, етук) эмас, такомиллашмаган, ками-кўсти бор, чала; ~ **рису́нок** баркамол (етук) бўлмаган расм.

НЕСОВЕРШЕ́ННЫЙ II: ~ **вид** *грам.* феълнинг тугалланмаган тури.

НЕСОВЕ́РШЕНСТВО *с* мукаммал (баркамол, етук) эмаслик, такомиллашмаганлик, чалалик.

НЕСОВМЕСТИМЫ/Й, -ая, -ое 1 бирга (баравар, бир вақтда) мавжуд бўла олмайдиган, бажариб бўлмайдиган; ~**е заня́тия** бир вақтда шуғулланиб бўлмайдиган ишлар (машғулотлар); 2 бир-бирига тўғри (мувофиқ, мос) келмайдиган, зид; қарама-қарши; ~**е поня́тия** бир-бирига тўғри келмайдиган (қарама-қарши) тушунчалар.

НЕСОГЛАСИЕ́ *с* 1 зидлик, зиддият, ихтилоф; ~ **во взгля́дах** фикрдаги (дунёқарашлардаги) зидлик; 2 қўшилмаслик, кўнмаслик, рози эмаслик, рад қилиш; **выразить** ~ қўшилмаганлигини (рози эмаслигини) билдирмоқ; 3 келишмовчилик, ноиттифоқлик, ноаҳиллик, жанжал, низо, нифоқ; ~ **в семье́** оиладаги келишмовчилик.

НЕСОГЛАСН/ЫЙ, -ая, -ое; -сен, -сна 1 қўшилишмайдиган, қўшилишмаган, норози, қарши;— **Мо́жно быть** ~**ыми в мы́слях и всё-таки взаймно уважа́ть друг дру́га** (Достоевский)— Бир фикрда бўлмаслик, лекин шунга қарамасдан бир-бирига ҳурматда бўлиш мумкин; 2 ўзаро мослаштирилмаган, номувофиқ, бир-бирига тўғри келмайдиган, пойма-пой; ~**ая рабо́та** бир-бирига тўғри келмайдиган (мослаштирилмаган) иш; пойма-пой иш; 3 ноиттифоқ, ноаҳил, зид.

НЕСОГЛАСОВАНН/ЫЙ. -ая, -ое 1 ўзаро мувофиқлаштирилмаган, бир-бирига тўғри келмайдиган, номувофиқ, пойма-пой; ~**ые де́йствия** ўзаро мувофиқлаштирилмаган ҳаракатлар; 2 олдиндан келишилмаган, келишиб олинмаган; ~**ый план** келишиб олинмасдан тузилган план; 3 *грам.* мослашмаган, мослашувсиз; ~**ое определе́ние** мослашувсиз аниқловчи.

НЕСОЗНАТЕЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое; -лен, -льна 1 онгсиз, онги (ақли) тўлиқ шаклланмаган, ақли тўлмаган; ~**ый ребёнок** ақли тўлмаган бола; 2 онгсиз, тушунмаган, онгсизликдан келиб чиққан; онгсизларча; ~**ое отноше́ние к труду́** меҳнатга онгсизларча муносабат.

НЕСОИЗМЕРИ́МЫ/Й, -ая, -ое 1 бир ўлчов билан ўлчаб бўлмайдиган, умумий ўлчови йўқ, ўлчовдош эмас; ~**е величи́ны** *мат.* умумий ўлчовсиз катталиклар; 2 таққослаб (қиёс қилиб, тенглаштириб) бўлмайдиган, беқиёс, бошқа-бошқа; ~**е поня́тия** қиёс қилиб бўлмайдиган тушунчалар, бошқа-бошқа тушунчалар.

НЕСОКРУШИ́М/ЫЙ, -ая, -ое бузилмас, енгилмас, метиндек мустаҳкам, қаттиқ, маҳкам; ~**ая кре́пость** мустаҳкам қалъа; ~**ая ве́ра** мустаҳкам ишонч; ~**ая си́ла** енгилмас куч; **Сове́тский Сою́з — ~ый опло́т ми́ра** Совет Иттифоқи — тинчликнинг мустаҳкам таянчи.

НЕСОЛОНО *нареч.*: ~ **хлеба́вши** (уйти́, уе́хать) *прост. шутл.* қуруқдан-қуруқ, мурод ҳосил қилмай, икки қўлни бурунга тиқиб (кетмоқ, қолмоқ, қайтмоқ).

НЕСОМНЕ́НН/ЫЙ, -ая, -ое; -е́нен, -е́нна шубҳа туғдирмайдиган, шубҳасиз, шак-шубҳасиз; бегумон, аниқ; ~**ый фа́кт** шак-шубҳасиз факт; ~**ая и́стина** аниқ ҳақиқат; ~**ый успе́х** шубҳасиз муваффақият.

НЕСООБРАЗН/ЫЙ, -ая, -ое; -зен, -зна 1 мос (мувофиқ, тўғри) келмайдиган, номуносиб, номувофиқ, ёпишмайдиган; **[Хозя́ин] чу́вствовал не́которое волне́ние, во́все** ~**ое с его́ незави́симым положе́нием в све́те и бога́тством** (Тургенев) [Хўжайин] ўзининг жамиятдаги мустақил мавқеига ва бойлигига асло тўғри келмайдиган қандайдир бир безовталик сезди; 2 келишмаган, бўлмаган, бемаъни, аҳмоқона; ~**ый вопро́с** келишмаган (бўлмаган) савол, аҳмоқона савол.

НЕСООТВЕ́ТСТВИЕ *с* номувофиқлик, номуносиблик, нолойиқлик, мувофиқ (муносиб, лойиқ) эмаслик, тўғри келмаслик; ~ **и́стине** ҳақиқатга тўғри келмаслик (хилофлик); ~ **хара́ктеров** характерларнинг бир-бирига тўғри келмаслиги; ~ **занима́емой до́лжности** эгаллаб турган лавозимига мос (лойиқ) эмаслик.

НЕСОРАЗМЕ́РНЫ/Й, -ая, -о́е; -рен, -рна номутаносиб, ўлчови ўлчовига тўғри келмайдиган, мутаносиб бўлмаган, нисбатсиз; ~**е сооруже́ния** номутаносиб иншоотлар.

НЕСОСТОЯТЕЛЬНЫ/Й, -ая, -ое 1 унча бой эмас, бечораҳол, фақир, камбағал, ночор; ~**е лю́ди** унчалик бой бўлмаган одамлар; камбағал одамлар; 2 қарз тўлашга қурби етмайдиган, синган; ~**й должни́к** қарзини тўлай олмайдиган қарздор; 3 *перен.* асоссиз, тагсиз, пуч, ишонарли бўлмаган; ~**й до́вод** асоссиз (ишонарли бўлмаган) далил.

НЕСОЮЗН/ЫЙ: ~**ая молодёжь** комсомол сафида бўлмаган ёшлар.

НЕСПЕ́Л/ЫЙ, -ая, -ое хом, ғўр, пишмаган, етилмаган ~**ые плоды́** хом (ғўр) мевалар; ~**ая ды́ня** сапча.

НЕСПЕ́ШНЫ/Й, -ая, -ое шошилинч (ошиғич) бўлмаган; шошилмасдан (ошиқмасдан, аста-секин) қилинадиган; оҳиста, бамайлихотир; **идти́** ~**м ша́гом** оҳиста (аста-секин) қадам ташлаб бормоқ; ~**й разгово́р** бамайлихотир суҳбат.

НЕСПОДРУ́ЧН/ЫЙ, -ая, -ое *прост.* ноқулай, ўнғайсиз, қулай (қўл) келмайдиган; ~**ая рабо́та** қўл келмайдиган иш.

НЕСПОКО́ЙНО 1 *нареч.* бетинч, нотинч, хавотирликда, безовта бўлиб; **ребёнок спал** ~ бола бетинч ухлади; 2 *безл. в знач. сказ.* бетинч, нотинч, алғов-далғов; **начали́сь беспоря́дки, на у́лицах бы́ло** ~ тартибсизлик бошланган, кўчалар алғов-далғов эди; 3 *безл. в знач. сказ.* ғаш, бетинч, безовта; **Я лёг в посте́ль, но на се́рдце у меня́ бы́ло** ~ (Тургенев) Мен ўрнимга ётдим, аммо юрагим ғаш эди.

НЕСПОКО́ЙН/ЫЙ, -ая, -ое; -о́ен, -о́йна 1 тинч (тек) тура олмайдиган, бесаранжом, жонсарак, питир-питир; ўйноқи; безовта, хавотирли; ~**ый челове́к** тинч (тек) туролмайдиган одам; ~**ый конь** ўйноқи от; ~**ый хара́ктер** бесаранжомлик, жонсараклик; ~**ый взгляд** безовта қараш; 2 нотинч, бетинч, ташвишли; алғов-далғов; ~**ая жизнь** бетинч турмуш, серташвиш ҳаёт; ~**ое вре́мя** нотинч (алғов-далғов) вақт; 3 бетинч, бўронли, тўлқинли; ~**ое мо́ре** бетинч (тўлқинли) денгиз; ~**ая пого́да** бетинч (бўронли) об-ҳаво.

НЕСПОСО́БНЫ/Й, -ая, -ое; -бен, -бна 1 қобилиятсиз, уқувсиз, қобилияти (уқуви) йўқ, нўноқ; **он у́чится пло́хо, но нельзя́ счита́ть его́** ~**м** у ёмон ўқийди, лекин уни қобилиятсиз деб ҳам бўлмайди; ~**й к рисова́нию** расм солишга уқуви йўқ; 2 ноқобил, қилолмайдиган, қўлидан келмайдиган, уддасидан чиқа олмайдиган; **он неспосо́бен на жертву** фидокорлик унинг қўлидан келмайди; **я неспосо́бен на тако́й посту́пок** бундай иш менинг қўлимдан келмайди, бундай ишнинг кўчасига кирган эмасман.

НЕСПРАВЕДЛИ́ВОСТЬ *ж* адолатсизлик, ноҳаклик, ноҳак (нотўғри) иш.

НЕСПРАВЕДЛИ́ВЫЙ, -ая, -ое 1 адолатсиз, ноҳақ; ~ **челове́к** адолатсиз одам; ~ **приговор** ноҳақ ҳукм; 2 ноҳақ, нотўғри, нодуруст; ~ **посту́пок** ноҳақ (нотўғри) иш.

НЕСПРО́СТА *нареч. разг* бежиз эмас, бекор эмас; бирор мақсад (ғараз ёки сабаб) билан; **он сказа́л э́то** ~ у

www.ziyouz.com kutubxonasi

бежиз айтгани йўқ; у бекорга шундай демади (демаган).

НЕСПРЯГАЕМЫЙ, -ая, -ое *грам.* тусланмайдиган; ~ **глагóл** тусланмайдиган феъл.

НЕСРАВНЕ́ННО *нареч.* 1 жуда ҳам ўрнига қўйиб, жуда яхши, жуда соз, ажойиб; **певúца поёт** ~ ашулачи (аёл) жуда яхши куйлайди (куйлаяпти); 2 беқиёс даражада, анча, хийла, кўп марта, чексиз; **онá** ~ **краси́вее своéй подру́ги** у дугонасидан хийла чиройли.

НЕСРАВНЕ́ННЫЙ, -ая, -ое; -е́нен, -е́нна беқиёс, бемисл, мисли йўқ, тенгсиз, ажойиб, якка-ягона; ~ **талáнт** беқиёс (мисли йўқ) талант.

НЕСРАВНИ́М/ЫЙ, -ая, -ое 1 қиёс қилиб (тенглаштириб) бўлмайдиган, беқиёс, тенги йўқ, ажойиб, беназир; ~**ая красотá** беназир гўзаллик; 2 тенглаштириб (солиштириб) бўлмайдиган; бошқа-бошқа; ~**ые величúны** тенглаштириб бўлмайдиган катталиклар, бошқа-бошқа катталиклар.

НЕСТАБИ́ЛЬНОСТЬ *ж* ностабиллик, ўзгарувчанлик, бекарорлик; ~ **политúческого положéния** сиёсий аҳволнинг ўзгарувчанлиги.

НЕСТАБИ́ЛЬНЫ/Й, -ая, -ое; -лен, -льна ностабил, ўзгарувчан, беқарор; ~**е учéбники** ностабил дарсликлар.

НЕСТАНДА́РТН/ЫЙ, -ая, -ое; -тен, -тна 1 постандарт, стандартсиз, стандартга мос келмайдиган; стандартдан ташқари; ~**ое издéлие** ностандарт маҳсулот; 2 *перен.* шаблон бўлиб қолмаган, сийқаси чиқмаган, оригинал, янги; ~**ая модéль** оригинал (янги) модель; ~**ый фасóн** оригинал (янги) фасон.

НЕСТЕРПИ́М/ЫЙ, -ая, -ое чидаб (тоқат қилиб) бўлмайдиган; жуда кучли, қаттиқ; ~**ая бóль** чидаб бўлмайдиган оғриқ; ~**ая жарá** чидаб бўлмайдиган (жазирама) иссиқ, қаттиқ иссиқ.

НЕСТИ́ I, -су́, -сёшь; нёс, несла́ *несов.* 1 *кого-что* олиб бормоқ, кўтариб олиб бормоқ, элтмоқ, ташимоқ; ~ **чемода́н** чамадон кўтариб бормоқ; чамадонни олиб бормоқ; ~ **мешóк на спинé** қопни орқалаб бормоқ; ~ **ребёнка на рукáх** болани (қўлида) кўтариб бормоқ; 2 *кого-что* ғизиллатиб (учириб) бормоқ; олиб (сурib) кетмоқ; олиб қочиб кетмоқ; **Конь менá несёт лихóй, А кудá? не знáю** (А. Н. Толстой) Учқур от мени ғизиллатиб олиб кетяпти, Лекин қаёққа? билмайман; 3 *перен. что* тарқатмоқ, ёймоқ, бермоқ; ~ **знáния в мáссы** омма орасида илм-маърифат тарқатмоқ; 4 тортмоқ, кўрмоқ, чекмоқ; ~ **потéри** талафот кўрмоқ (бермоқ); ~ **убытки** зарар кўрмоқ; 5 *что* оқизиб (ёки учириб) олиб кетмоқ, олиб келмоқ; **вéтер несёт тýчи** шамол булутларни учириб олиб кетяпти; 6 *что* тарқатмоқ; олиб келмоқ, етказмоқ (ҳид, товуш ҳақида); **вéтер несёт прия́тный зáпах полевы́х цвето́в** шамол дала чечакларининг хушбўй ҳидини олиб келмоқда; 7 *что* бажармоқ, ижро қилмоқ, адо этмоқ, ўтамоқ, бўлмоқ; ~ **карáул** қоровул турмоқ; соқчилик қилмоқ; ~ **обя́занности заве́дующего** мудирлик вазифасини бажармоқ; 8 *безл. чем* келмоқ, анқимоқ, урмоқ; **от канáла несло́ прохлáдой** канал томондан совуқ келмоқда (урмоқда) эди; **от негó несёт чесноко́м** ундан саримсоқпиёзнинг ҳиди келяпти; 9 *безл. разг.* эсмоқ, кирмоқ, анқимоқ (совуқ шамол, ҳид ҳақида); **из-под по́лу несёт** полнинг тагидан совуқ чиқяпти (уряпти); 10 *что разг.* гапирмоқ, вайсамоқ; ~ **чепуху́** сафсата сотмоқ, беҳуда гаплар гапирмоқ; 11 *что* олиб келмоқ, келтирмоқ, элтмоқ; **фаши́зм несёт ги́бель наро́дам** фашизм халқларни ҳалокатга элтади; 12 *что спец.* кўтариб (тутиб) турмоқ; 13 *мор.* жиҳозланган бўлмоқ, жиҳоз-ускуналарга эга бўлмоқ; 14 *безл. разг.* ич кетмоқ (сурмоқ); ичи ўтмоқ; **ребёнка несёт** боланинг ичи кетяпти; ✦ **куда́ тебя́ (его́** и т. п.) **чёрт (дья́вол, нелёгкая) несёт!** қаёққа (қайси гўрга) кетиб бораяпсан!

НЕСТИ́ II, -сёт *несов. что* тухум қилмоқ; **ку́ры несу́т я́йца** товуқлар тухум қилади.

НЕСТИ́СЬ I, -су́сь, -сёшься; нёсся, несла́сь *несов.* 1 елдек югурмоқ, учмоқ, чопмоқ, жуда тез бормоқ; ~ **вскачь** отни елдек учириб бормоқ; **де́ти несли́сь наперегóнки** болалар ким ўзарга елдек югуришарди; 2 тарқалмоқ, таралмоқ, анқимоқ, келмоқ, эшитилмоқ; **отку́да-то несли́сь мело́дии знако́мых пе́сен** қаердандир таниш қўшиқларнинг оҳанги эшитиларди; 3 эшитилмоқ, маълум бўлмоқ, тарқалмоқ; **ёйилмоқ; несу́тся слу́хи** гап тарқаляпти, миш-миш гап юрипти; 4 тез ўтмоқ, кечмоқ, ўтиб кетмоқ; 5 *страд. от* **нести́** I.

НЕСТИ́СЬ II, -сётся *несов.* 1 тухум қилмоқ; **ку́ры несу́тся** товуқлар тухум қилади; 2 *страд. от* **нести́** II.

НЕСТОЙКИ/Й, -ая, -ое; -óек, -óйка 1 чидамсиз, бардошсиз, чидаш (бардош) бермайдиган, бўш; 2 турғун эмас, тез тарқаладиган; ~**й зáпах** тез тарқалиб кетадиган ҳид; ~**е отравля́ющие вещества́** тез тарқаладиган заҳарли моддалар.

НЕСТОЯЩ/ИЙ, -ая, -ее *разг.* ҳеч нарсага (бир пақирга) арзимайдиган, уч пулга қиммат, арзимаган, арзимас, бўлмагур; ~**ая вещь** бир пақирга арзимайдиган нарса; ~**ее де́ло** арзимаган (арзимас) иш; ~**ий челове́к** арзимас (бўлмагур) одам.

НЕСТРОЕВИ́К *м. р.* -á сафдан ташқари хизматдаги ҳарбий ходим (хизматчи).

НЕСТРОЕВ/О́Й I, -á́я, -о́е 1 сафдан ташқари(даги); ~**а́я слу́жба** сафдан ташқари хизмат; 2 *в знач. сущ.* ~**о́й** *м то же, что* **нестроеви́к**.

НЕСТРОЕВО́Й II, -á́я, -о́е қурилиш учун ярамайдиган, бинокорликда ишлатиб бўлмайдиган; ~ **лес** қурилиш учун ярамайдиган тахта-ёғоч.

НЕСУРАЗНОСТ/Ь *ж* 1 ножўялик, келишмаганлик, ёпишмаганлик, бемаънилик; 2 бемаъни иш (қилиқ, хатти-ҳаракат), ножўя (келишмаган) гап; **говори́ть** ~**и** ножўя (келишмаган) гаплар гапирмоқ.

НЕСУРА́ЗН/ЫЙ, -ая, -ое; -зен, -зна *разг.* 1 ножўя, келишмаган, ёпишмаган, бемаъни; ~**ое поведе́ние** бемаъни юриш-туриш; 2 бесўнақай, беўхшов, хунук, алмойи-алжойи; ~**ая вне́шность** беўхшов қиёфа.

НЕСУСВЕТН/ЫЙ, -ая, -ое; -тен, -тна *разг.* оламда йўқ, қулоқ эшитмаган, кўз кўрмаган; ~**ая чепуха́** оламда йўқ (бемаза) гап, сафсата; ~**ый хóлод** қулоқ эшитмаган, кўз кўрмаган совуқ, жуда қаттиқ совуқ.

НЕСУ́ШКА *ж, р. мн.* -шек тухум қиладиган товуқ (курка, ўрдак ва ҳ. к.).

НЕСУЩЕ́СТВЕННЫЙ, -ая, -ое унча аҳамияти йўқ; унчалик аҳамиятли (муҳим) эмас, иккинчи даражали, жузъий; ~**ые недочёты** унча аҳамияти йўқ камчиликлар, жузъий камчиликлар; э́то ~**о** бунинг унчалик аҳамияти йўқ.

НЕСУЩ/ИЙ, -ая, -ее 1 *прил. от* **нести́**; 2 *в знач. прил. спец.* кўтариб (тутиб) турувчи; ~**ая армату́ра** тутиб турувчи арматура; ~**ая ба́лка** кўтариб турувчи балка; ✦ ~**ая пове́рхность самолёта** *ав.* самолёт қанотларининг юзи.

НЕСХОДН/ЫЙ, -ая, -ое; -ден, -дна 1 ўхшамаган, ўхшамайдиган, ўхшаш (бир-бирига тўғри) келмайдиган, монанд тушмайдиган, ноўхшаш; ҳар хил; ~**ая вне́шность** ўхшаш келмайдиган қиёфа; ~**ые вку́сы** ҳар хил (бир-бирига тўғри келмайдиган) дидлар; 2 *прост.* тўғри (қўл. маъқул) келмайдиган; ~**ая цена́** тўғри келмайдиган (кармон кўтармайдиган) баҳо.

НЕСХО́ДСТВО *с* ўхшаш (монанд) эмаслик; ҳар хиллик; ~ **характе́ров** характерларнинг ўхшаш эмаслиги.

НЕСХО́ЖИ/Й, -ая, -ее *разг. то же, что* **несхо́дный** 1; ~**е взгля́ды** бир-бирига ўхшамаган қарашлар.

НЕСЧА́СТЛИВЕЦ *м. р.* -вца *разг.* бахтсиз (бебахт) одам, бахти қора, шўрпешана, шўрлик.

НЕСЧА́СТЛИВИ́ЦА *ж разг. см.* **несча́стливец**.

НЕСЧА́СТЛИВ/ЫЙ, -ая, -ое 1 бахтсиз, бебахт, бахти қора, толеи паст, пешанаси шўр; ~**ая жизнь** бебахт ҳаёт; 2 иш ўнгмаган, юришмаган; ~**ый день** иш ўнгмаган (юришмаган) кун; ~**ый биле́т** ютуқ чиқмаган билет.

НЕСЧА́СТН/ЫЙ, -ая, -ое; -тен, -тна 1 бебахт, бадбахт, бахтсиз, бахти қора, толеи паст; шўрпешана, шўрли; ~**ый челове́к** бахтсиз одам; ~**ая жизнь** бебахт ҳаёт; 2 *в знач. сущ.* ~**ый** *м*; ~**ая** *ж* бахтсиз одам, шўрли, бечора, боёқиш; 3 бахтсиз, кўнгилсиз; бахтсизлик (фалокат) келтирадиган, ёмон; ~**ый слу́чай** кўнгилсиз воқеа, бахтсизлик; ~**ый день** ёмон кун; бахтсиз кун; 4 *разг.* ачинарли, аянчли, шўрли; ~**ый вид** ачинарли (аянчли) кўриниш; 5 *разг.* бехосият, касофат; **всё произошло́ из-за э́того** ~**ого письма́** ҳаммаси мана шу касофат мактубдан чиқди; 6 *разг.* нотавон, шўринг қурғур; **эх ты,** ~**ый!** э, нотавон!; 7 *разг.* арзимаган, арзимас;— **И каки́е де́ньги, — каки́х-то** ~**ых сто ты́сяч**

www.ziyouz.com kutubxonasi

(Мамин-Сибиряк)— Қандай пул денг,— арзимаган юз минг сўм.

НЕСЧА́СТЬЕ *с* бахтсизлик, мусибат, фалокат, офат, бало, фожиа; **случи́лось ~е** бахтсизлик (фалокат) юз берди; ✦ **к ~ю; на ~е** *в знач. вводн. сл.* бахтга қарши.

НЕСЧЁТНЫЙ, -ая, -ое; -тен, -тна ҳисобсиз; сон-саноқсиз; чексиз, беҳисоб, беҳад; **~е си́лы** ҳисобсиз кучлар.

НЕСЪЕДО́БНЫЙ, -ая, -ое; -бен, -бна ейилмайдиган, еб бўлмайдиган; **~е грибы́** еб бўлмайдиган замбуруғлар.

НЕСЫТНЫЙ, -ая, -ое; -тен, -тна́, -тно тўйимсиз, тўйдирмайдиган, тўқ тутмайдиган.

НЕТ 1 *безл. в знач. сказ.* йўқ; бўлмайди, топилмайди; **у меня́ нет вре́мени** менинг вақтим йўқ; **его́ нет до́ма** у уйида йўқ, у уйида эмас; **друго́го вы́хода нет** бошқа илож йўқ (қолмади); 2 *частица отриц.* инкор, рози эмаслик, қўшилмаслик, рад қилиш каби маъноларни ифодалайди; йўқ; **нет, я не приду́** йўқ, мен келмайман; **нет, я с ва́ми не согла́сен** йўқ, мен сизнинг фикрингизга қўшилиша олмайман; **вы больны́?— Нет, я здоро́в** тобингиз йўқми?— Йўқ, соппа соғман; 3 *частица вопросит.* йўғ-э, наҳотки; ростданми;— **Я Кла́вдио сестра́.— Нет, пра́во? очень рад** (Пушкин)— Мен Клавдионинг синглиси бўламан.— Йўғ-э, ростданми? Жуда хурсандман; 4 *в знач. сущ.* **нет** *м уст.* йўқлик, йўқ; **на нет и суда́ нет** *погов.* йўққа товон (жазо) ҳам йўқ; ✦ **нет-нет да и...** келмай (ёзмай, гапирмай ва ҳ. к.) юриб бир келиб (ёзиб, гапириб ва ҳ. к.) колади; **нет и нет (или нет да нет)** ҳамон йўқ, кетганча бадар кетди, дом-дараксиз йўқ бўлиб кетди; **свести́ на нет** йўқ қилмоқ; йўққа чиқармоқ; **сойти́ (или свести́сь) на нет** йўққа чиқмоқ, йўқ бўлиб кетмоқ; йўқолмоқ; **нет ничего́ лу́чше...** ...дан яхшиси йўқ; энг яхшиси...; **нет — так нет** йўқ бўлса йўқ; йўқни йўндириб бўлмайди.

НЕТАКТИ́ЧНОСТЬ *ж* 1 адабни (муомалани) билмаслик, беназокатлик, беандишалик, қўполлик; 2 беандиша муомала, қўпол ҳаракат.

НЕТАКТИ́ЧНЫЙ, -ая, -ое; -чен, -чна адабни (муомалани) билмайдиган, беназокат, беандиша, қўпол; **~ челове́к** одобни (муомалани) билмайдиган одам; **~ посту́пок** беандиша (қўпол) ҳаракат.

НЕТЕ́ЛЬ *ж* ғунажин.

НЕТЕРПЕЛИ́В/ЫЙ, -ая, -ое сабрсиз, бетоқат, сабрсиз, сабри (тоқати) йўқ; **~ый челове́к** бесабр одам; **~ое ожида́ние** сабрсизлик билан (бетоқат бўлиб) кутиш.

НЕТЕРПЕ́НИЕ *с* бесабрлик, бетоқатлик, сабрсизлик; **ждать с ~м** сабрсизлик билан кутмоқ; **прояви́ть ~** сабрсизлик қилмоқ.

НЕТЕРПИ́МОСТЬ *ж* 1 чидаб (тоқат қилиб, йўл қўйиб) бўлмайдиган; 2 чидай (тоқат қила, йўл қўя) олмаслик, муросасизлик; **~ к беспринци́пности** принципсизликка чидай (тоқат қила) олмаслик.

НЕТЕРПИ́М/ЫЙ, -ая, -ое 1 чидаб (тоқат қилиб, йўл қўйиб) бўлмайдиган; **~ое поведе́ние** тоқат қилиб бўлмайдиган хулқ-атвор; 2 чидаб (тоқат қилиб) тура олмайдиган, келиша (йўл қўя) олмайдиган, муросасиз; **~ый челове́к** муросасиз одам.

НЕ́Т/И: в ~ях быть *уст.* и *шутл. ирон.* йўқ бўлмоқ, йўқлар рўйхатида бўлмоқ.

НЕТЛЕ́ нн/ЫЙ, -ая, -ое; -е́нен, -е́нна 1 *уст.* чиримайдиган, иримайдиган, айнимайдиган; **~ые оста́нки** чиримайдиган мурда; 2 *перен. высок.* бақоли, абадий, мангу, ўчмас; **~ая сла́ва Сове́тской Ар́мии** Совет Армиясининг ўчмас шон-шуҳрати.

НЕТОРОПЛИ́В/ЫЙ, -ая, -ое 1 шошилмайдиган, шошмасдан (шошилмасдан) иш (ҳаракат) қиладиган; имиллаган, судралган, сусткаш, суст; **~ый челове́к** имиллаган одам; 2 секин, оҳиста, бамайлихотир; **~ая похо́дка** оҳиста юриш.

НЕТО́ЧНОСТ/Ь *ж* 1 ноаниқлик, нотўғрилик, аниқ (тўғри) эмаслик; **~ь выраже́ния** ифоданинг аниқ (тўғри) эмаслиги; **~ь вычисле́ний** ҳисобларнинг ноаниқлиги (нотўғрилиги); 2 хатолик, хато; **устрани́ть ~и** хатоларни тузатиш.

НЕТО́ЧН/ЫЙ, -ая, -ое; -чен, -чно 1 ноаниқ, нотўғри, хато, янглиш; **~ый подсчёт** хато ҳисоб; янглиш ҳисоблаш; **~ые часы́** нотўғри соат; **~ое произноше́ние** ноаниқ талаффуз; 2 хато қилувчи; янглишувчи, хатога **йўл қўювчи** (қўйган), адашган, ноаниқ; **Блу́менбах очень кра́ток в свои́х описа́ниях и нето́чен** (С. Аксаков) Блуменбахнинг тавсифлари жуда қисқа (лўнда-лўнда) ва лекин ноаниқ.

НЕТРЕБОВА́ТЕЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое; -лен, -льна 1 унча талабчан (қаттиққўл) эмас, қаттиқ талаб қилмайдиган, бўш; **~ый учи́тель** унча қаттиқ талаб қилмайдиган ўқитувчи; 2 камсуқум, қаноатли, озга (борига) қаноат қиладиган (кўнадиган); танламайдиган; **челове́к, ~ый к еде́** овқат танламайдиган одам.

НЕТРЕЗВ/ЫЙ, -ая, -ое 1 маст, кайфи бор, сархуш, ширакайф; **~ый челове́к** маст одам; **~ое состоя́ние** маст ҳолат, мастлик; 2 носоғлом, нотўғри, ҳушёрлик билан ёндошилмай қилинган; **~ое отноше́ние** *к чему-л.* нотўғри муносабат, носоғлом караш.

НЕТРОНУ́Т/ЫЙ, -ая, -ое 1 қўл тегизилмаган, **қўл** урилмаган, бутун; **~ая земля́** қўл урилмаган ер; **еда́ оста́лась ~ой** овқатга қўл урилмади; 2 *перен.* пок, покиза, маъсум, иффатли; **~ая нату́ра** иффатли одам.

НЕТРУ́ДН/ЫЙ, -ая, -ое; -ден, -дна́, -дно қийин (оғир, мураккаб) эмас, осон, жўн; **~ая зада́ча** осон масала.

НЕТРУДОВ/О́Й, -а́я, -о́е 1 меҳнат қилмайдиган, меҳнатсиз яшайдиган; **~а́я часть населе́ния** аҳолининг меҳнат қилмайдиган қисми; 2 меҳнатсиз (бемеҳнат) топилган, меҳнаткашларни эксплуатация қилиш йўли билан олинган; **~ы́е дохо́ды** меҳнатсиз топилган даромадлар.

НЕТРУДОСПОСО́БНЫЙ, -ая, -ое; -бен, -бна меҳнат қобилиятини йўқотган, ишга яроқсиз; **~ по боле́зни** касаллик туфайли меҳнат қобилиятини йўқотган.

НЕ́ТТО *прил.* и *нареч. неизм.* нетто; соф (идишсиз, қопсиз, ўровсиз) оғирлик; **вес ~ три́ста гра́ммов** нетто (соф) оғирлиги уч юз грамм.

НЕУБЕДИ́ТЕЛЬНЫ/Й, -ая, -ое; -лен, -льна ишонарли бўлмаган, ишонтира олмайдиган, унча ишончли эмас; **~е до́воды** ишонарли бўлмаган далиллар.

НЕУВАЖЕ́НИЕ *с* ҳурматсизлик, беҳурматлик, ҳурмат қилмаслик, беҳурмат муомала; **~ к ста́ршим** катталарга ҳурматсизлик.

НЕУВАЖИТЕЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое; -лен, -льна 1 маъзур бўла олмайдиган, эътиборга олинмайдиган, узрсиз, беузр; **~ая причи́на** эътиборга олинмайдиган узр, маъзур бўла олмайдиган сабаб; 2 ҳурматсиз, бировни ҳурмат (рўй-хотир) қилмайдиган, беандиша; **~ый челове́к** бировни ҳурмат қилмайдиган одам, беандиша одам; **~ое отноше́ние** ҳурматсизларча муносабат, беандишалик.

НЕУВЕ́РЕННЫЙ, -ая, -ое 1 ишонмайдиган, гумонсирайдиган, ишонмовчи, гумонсировчи; иккиланувчи, қатъиятсиз; **~ в себе́ челове́к** ўзига ишонмайдиган одам; 2 дадил (қатъий) эмас, бўшашган, қатъиятсиз; **~ отве́т** қатъиятсиз жавоб; **~ая похо́дка** бўшашган юриш.

НЕУВЯДА́ЕМ/ЫЙ, -ая, -ое 1 *уст.* сўлмайдиган, сўлмас; **~ая красота́** сўлмас гўзаллик; 2 *перен. высок.* сўнмас, ўчмас, унутилмас, абадий; **~ая сла́ва** сўнмас шон-шуҳрат.

НЕУВЯДА́ЮЩИЙ, -ая, -ее *то же, что* **неувяда́емый** 2.

НЕУВЯ́ЗК/А *ж, р. мн.* **-зок** уйғунсизлик, англашилмовчилик; ўзаро боғланиш йўқлиги; **~и в рабо́те** ишдаги англашилмовчиликлар, ишда ўзаро боғланиш йўқлиги.

НЕУГАСИ́М/ЫЙ, -ая, -ое *высок.* 1 *уст.* ўчмас, сўнмас, доим ёниб (порлаб) турадиган; **~ая лампа́да** доим ёниб турадиган чироқча; 2 *перен.* доимий, мангу, сўнмас; **~ая любо́вь** сўнмас муҳаббат; **~ая не́нависть** сўнмас нафрат.

НЕУГО́ДНЫЙ, -ая, -ое; -ден, -дна ёқмай қолган, ёқмайдиган, хуш келмайдиган, номатлуб, номақбул.

НЕУГОМО́нН/ЫЙ, -ая, -ое; -о́нен, -о́нна 1 тек (тинч) туролмайдиган, шўх; **~ый ребёнок** шўх бола; 2 тинчимаган, тинмаган, серҳаракат, серташвиш, тиниб-тинчимаган; **~ая же́нщина** тиниб-тинчимаган хотин; **~ая жизнь** серташвиш ҳаёт; 3 тинмайдиган, тинчимайдиган, тўхтовсиз; **~ый шум мо́ря** денгизнинг тўхтовсиз шов-шуви.

НЕ́УД *м разг.* қониқарсиз баҳо, «икки» баҳо (ўқув юртларида).

НЕУДА́Ч/А *ж* муваффақиятсизлик, иш ўнгмаслик, омадсизлик; **потерпе́ть ~у** муваффақиятсизликка учрамоқ.

НЕУДА́ЧЛИВЫЙ, -ая, -ое бахти (омади) йўқ, толеи паст, омадсиз, бахтсиз, иши ўнгмаган (юришмаган); **~ че-**

www.ziyouz.com kutubxonasi

лове́к омади йўқ (иши юришмаган) одам;— **Неда́члив я на зятьёв** (Мамин-Сибиряк) Куёвлардан омадим йўқ.

НЕУДА́ЧНИК *м* бахти (омади) йўқ одам, иши ўнгмаган (толеи паст) одам, омадсиз.

НЕУДА́ЧНИЦА *ж см.* **неуда́чник.**

НЕУДА́ЧН/ЫЙ, -ая, -ое; -чен, -чна 1 муваффақиятсиз, ўнгмаган; ўнгидан (бароридан) келмаган; **~ая охо́та** бароридан келмаган ов; муваффақиятсиз ов; 2 қониқарсиз; муваффақиятли (яхши) чиқмаган; кўнгилдагидек бўлмаган; номувофиқ; **~ый рису́нок** яхши чиқмаган расм; **~ая кандидату́ра** номувофиқ номзод.

НЕУДЕ́РЖИМЫЙ, -ая, -ое тўхтатиб (тийиб, босиб) бўлмайдиган, шиддатли, кучли; **~ пото́к** шиддатли оқим; **~ смех** тўхтатиб бўлмайдиган кулги, ўзини тўхтата олмай кулиш.

НЕУДЕ́РЖНЫЙ, -ая, -ое; -жен, -жна *то же, что* **неудержи́мый.**

НЕУДИВИ́ТЕЛЬНО *в знач. сказ.* ажаб эмас, ажабланарли (ажабланадиган) жойи йўқ, табиий; **э́то ~** бунинг ҳеч ажабланарли жойи йўқ.

НЕУДИВИ́ТЕЛЬНЫЙ, -ая, -ое; -лен, -льна ажабланмаса ҳам бўладиган, табиий.

НЕУДО́БНО 1 *нареч.* ноқулай ҳолда, ноқулай; **~ расположи́ться** ноқулай ўрнашмоқ; 2 *безл. в знач. сказ.* ноқулай, ўнғайсиз; **сиде́ть бы́ло ~** ўтириш ноқулай (ўнғайсиз) эди; 3 *безл. в знач. сказ. кому* и *с неопр.* уят, ноқулай, хижолат тортади киши; **мне за него́ ~** унинг учун мен хижолат тортяпман (уяляпман); **при посторо́нних ~ начина́ть э́тот разгово́р** чет кишилар олдида бу ҳақда гап бошлаш ноқулай.

НЕУДО́БН/ЫЙ, -ая, -ое; -бен, -бна 1 қулайлиги йўқ, ноқулай, нобоп; қулайсиз; **~ое ме́сто** ноқулай жой; 2 *перен.* ноқулай, ўнғайсиз, хижолатли, уятли, қийин, оғир; **попа́сть в ~ое положе́ние** хижолатли аҳволда (хижолатда) қолмоқ, хижолат бўлмоқ; 3 *перен.* ноқулай, уятли, жўясиз; **~ое выраже́ние** уятли гап.

НЕУДОБОВАРИ́М/ЫЙ, -ая, -ое 1 сингиши қийин, сингимайдиган, бадҳазм; **~ая пи́ща** бадҳазм овқат; 2 *перен. ирон.* тушунилиши қийин, мужмал; **~ая статья́** мужмал мақола.

НЕУДО́БСТВ/О *с* 1 ноқулайлик, қулайсизлик, ўнғайсизлик; **~ о кварти́ры** квартиранинг ноқулайлиги; **мири́ться с ~ами** ноқулайликларга кўникмоқ; 2 ўнғайсиз аҳвол, хижолат, ўнғайсизлик; **чу́вствовать ~о** хижолат тортмоқ, ўнғайсизлик сезмоқ, ўнғайсизланмоқ.

НЕУДОВЛЕТВОРИ́ТЕЛЬНО *нареч.* 1 қониқарсиз, қониқарли эмас; **отве́тить ~** қониқарсиз жавоб бермоқ; 2 *в знач. сущ.* **~ с** *нескл.* қониқарсиз баҳо, «икки» баҳо; **получи́ть ~** қониқарсиз баҳо олмоқ.

НЕУДОВЛЕТВОРИ́ТЕЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое; -лен, -льна қониқарсиз, қаноатлантирмайдиган, талабга жавоб бермайдиган; **~ый отве́т** қониқарсиз жавоб; **~ое состоя́ние** ишларнинг қониқарсиз аҳволи.

НЕУДОВО́ЛЬСТВИЕ *с* норозилик, мамнун (хурсанд) эмаслик; **вы́разить ~** норозилик билдирмоқ.

НЕУЕ́МН/ЫЙ, -ая, -ое; -мен, -мна тийиб (тинчитиб, тўхтатиб) бўлмайдиган, сира тинчимайдиган, босилмайдиган; чексиз, кучли, қаттиқ; **~ая тоска́** чексиз ғам; **~ая тя́га к рабо́те** ишга бўлган кучли (чексиз) иштиёқ.

НЕУЖЕ́ЛИ *частица вопросит.* наинки, наҳот, наҳотки, ростданми, ҳақиқатан (ҳам) шундайми; йўғэ; ёпирай-а; **~ он прие́дет?** ҳақиқатан (ростдан) келадими?; **~ э́то пра́вда?** наҳот(ки) шу тўғри (рост) бўлса?

НЕУЖИ́ВЧИВЫЙ, -ая, -ое чиқишолмайдиган, муроса қилолмайдиган, одамга эликмайдиган, шўртумшуқ; **~ челове́к** чиқиша олмайдиган одам; **~ хара́ктер** чиқишолмаслик, шўртумшуқлик.

НЕУЖТО *частица вопросит. уст. прост. то же, что* **неуже́ли.**

НЕУЗНАВА́ЕМОСТ/Ь *ж:* **до ~и** (измени́ться) таниб бўлмаслик даражада (ўзгариб кетмоқ).

НЕУЗНАВА́ЕМ/ЫЙ, -ая, -ое таниб бўлмайдиган, таниб бўлмас даражада ўзгарган; **го́род стал ~** шаҳар таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди (кетибди).

НЕУКЛО́НН/ЫЙ, -ая, -ое; -о́нен, -о́нна 1 оғишмайдиган, доимий, тўхтовсиз, узлуксиз; **~ый подъём благосостоя́ния сове́тского наро́да** совет халқи моддий фаровонлигининг тўхтовсиз ўсиб бориши; 2 қатъий, собит, собитқадам, мустаҳкам; **~ая во́ля** мустаҳкам ирода.

НЕУКЛЮ́Ж/ИЙ, -ая, -ее 1 келишмаган, қовушмаган, ўхшови йўқ, бесўнақай. беўхшов, қўпол; **~ий медве́дь** бесўнақай айиқ; **~ий челове́к** қовушмаган одам; **~ая ме́бель** беўхшов мебель; **~ая похо́дка** бесўнақай (лапанглаган) юриш; 2 келишмаган, ёпишмаган, ғализ, дағал; **~ие фра́зы** келишмаган гаплар; **~ие стихи́** ғализ шеърлар.

НЕУКОСНИ́ТЕЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое; -лен, -льна сўзсиз (оғишмай) бажариладиган, қатъий, мажбурий; **~ое исполне́ние прика́за** буйруқни сўзсиз бажариш; **~ое соблюде́ние дисципли́ны** интизомга сўзсиз (қатъий) амал қилиш.

НЕУКРОТИ́М/ЫЙ, -ая, -ое 1 саркаш, қашшанг, қўлга ўргатиб (ром қилиб) бўлмайдиган; сўз (бўй) бермайдиган; тийиб (босиб) бўлмайдиган; **~ая ло́шадь** қўлга ўргатиб бўлмайдиган от; **в гне́ве он ~** жаҳли чиққанда у ҳеч кимга сўз бермайди; ғазаби келганда уни тийиб (босиб) бўлмайди; 2 қаттиқ, шиддатли, кучли, тўхтатиб бўлмайдиган; **~ый гнев** қаттиқ ғазаб; **~ое весе́лье** тўхтатиб бўлмайдиган хурсандчилик.

НЕУЛОВИ́М/ЫЙ, -ая, -ое 1 тутқич бермайдиган, ушлаб (қўлга тушириб) бўлмайдиган; **~ый челове́к** тутқич бермайдиган одам; 2 *перен.* билинар-билинмас, сезилмас, кўз илғамас; **~ая ра́зница** сезилмас фарқ, жуда кичик тафовут.

НЕУМЕ́ЙКА *м* и *ж* ҳеч нарса билмайдиган (ҳеч нарса қўлидан келмайдиган) одам, билмасвой (болалар тилида).

НЕУМЕ́Л/ЫЙ, -ая, -ое 1 шуди йўқ, ношуд, эпсиз, нўноқ, иш билмайдиган, ишнинг уддасидан чиқа олмайдиган; дастпанжа, тажрибасиз, маҳоратсиз; **~ая шве́я** ношуд тикувчи; 2 яхши ишланмаган, маҳоратсиз ишланган, нўноқ; **~ая рабо́та** нўноқ иш.

НЕУМЕ́НИЕ *с* шуди йўқлик, ношудлик, эпсизлик, нўноқлик, иш билмаслик, ишининг уддасидан чиқа олмаслик; билмаслик; **~ говори́ть** гапиришни билмаслик; **~ руководи́ть** раҳбарликни билмаслик, раҳбарликнинг уддасидан чиқа олмаслик.

НЕУМЕ́РЕННЫЙ, -ая, -ое 1 ўлчовсиз, чексиз, чегарасиз, ҳадсиз, ҳаддан ошиқ (ташқари); **~ аппети́т** ҳаддан ташқари иштаҳа; 2 меъёрини (чегарасини) билмайдиган, тийиқсиз, баднафс; **~ челове́к** баднафс одам.

НЕУМЕ́СТН/ЫЙ, -ая, -ое; -тен, -тна ўринсиз, ноўрин, чакки; бемаврид; **~й вопро́с** ўринсиз савол.

НЕУМОЛИ́МЫ/Й, -ая, -ое 1 бир сўзли, қаттиқ, қатъий; шафқатсиз, бераҳм; гапга унамайдиган; **~й челове́к** бир сўзли одам; **~й тон** қатъий оҳанг; 2 *перен.* ўзгартириб (қайтариб) бўлмайдиган, ўзгармас, қатъий; **~е зако́ны** ўзгармас қонунлар, **~й приго́вор** қатъий ҳукм.

НЕУМОЛКА́ЕМЫЙ, -ая, -ое тинимсиз, тўхтовсиз, тинмайдиган, давомли; **~ го́вор** тинимсиз ғовур-ғувур гап.

НЕУМО́ЛЧН/ЫЙ, -ая, -ое; -чен, -чна *то же, что* **неумолка́емый; ~ая стре́льба** тўхтовсиз отишма.

НЕУМЫ́ШЛЕНН/ЫЙ, -ая, -ое қасддан (атайин, жўртага) қилинмаган, билмасдан қилинган, бегараз, беихтиёр, тасодифий; **~ое оскорбле́ние** билмасдан ҳақорат қилиб қўйиш; **~ое уби́йство** тасодифий қотиллик.

НЕУПОРЯДО́ЧЕНН/ЫЙ, -ая, -ое тартибга солинмаган; бетартиб, тартибсиз, ўлда-жўлда; **~ое де́ло** ўлда-жўлда (тартибсиз) иш; **~ая жизнь** бетартиб ҳаёт.

НЕУПОТРЕБИ́ТЕЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое; -лен, -льна ишлатилмайдиган, қўлланилмайдиган, истеъмол (истифода) қилинмайдиган, истеъмолдан қолган; **~ое сло́во** ишлатилмайдиган сўз.

НЕУРАВНОВЕ́ШЕННЫЙ, -ая, -ое бир хил турмайдиган, бекорга (салга) ловуллаб кетадиган, енгил, бетайин; **~ челове́к** енгил одам; **~ хара́ктер** енгиллик, енгил характер.

НЕУРОЖА́Й *м* экин битмаганлик, унумсизлик, ҳосилсизлик; **~ пшени́цы** буғдой битмаганлик, буғдой ҳосил бермаганлиги.

НЕУРОЖА́ЙН/ЫЙ, -ая, -ое; -а́ен, -а́йна ҳосил бўлмаган (ёки кам бўлган), ҳосилсиз, унумсиз, камҳосил; **~ый год** унумсиз йил, очарчилик; **~ая земля́** камҳосил ер.

www.ziyouz.com kutubxonasi

НЕУРО́ЧН/ЫЙ, -ая, -ое 1 хизматдан (иш вақтидан) ташқари; бевақт; **в ~ое вре́мя** хизматдан ташқари вақтда; 2 шартномада (писандада ва ҳ. к.) бўлмаган; **~ая рабо́та** шартномада бўлмаган иш.

НЕУРЯДИЦ/А *ж* 1 ишкал, тартибсизлик, бесаранжомлик, ўлда-жўлдалик; 2 келишмовчилик, жанжал, нифоқ, низо, ихтилоф; **ме́жду ни́ми постоя́нные ~ы** улар доим жанжаллашиб юради; **Во всей ~е ли́чной жи́зни был винова́т то́лько он сам** (М. Горький) Шахсий ҳаётидаги ҳамма келишмовчиликларга фақат унинг ўзи айбдор эди.

НЕУСПЕВАЕМОСТЬ *ж* ўзлаштирмаслик (ўқув юртларида).

НЕУСПЕВАЮЩ/ИЙ, -ая, -ее 1 дарсларни ўзлаштиролмайдиган, қолоқ; **~ий учени́к** дарсларни ўзлаштиролмайдиган ўқувчи; 2 *в знач. сущ.* **~ий** *м*, **~ая** *ж* ўзлаштирмовчи; **в кла́ссе нет ~их** синфда ўзлаштирмовчилар йўқ.

НЕУСТАНН/ЫЙ, -ая, -ое тинмайдиган, доимий; ҳормас-толмас; **~ая забо́та** доимий ғамхўрлик.

НЕУСТОЙК/А *ж, р. мн.* **-о́ек** неустойка, жарима (шартномадаги бирор мажбуриятни вақтида бажармаганлик учун икки томоннинг биридан олинадиган жарима); **уплати́ть ~у** неустойка (жарима) тўламоқ.

НЕУСТОЙЧИВ/ЫЙ, -ая, -ое 1 турғун эмас, омонат, бўш, ноустувор; каловлаган; **~ая ло́дка** ноустувор (қалқиб турадиган) қайиқ; **~ый стол** омонат стол; **~ая похо́дка** алпон-талпон (каловлаб) юриш; 2 ўзгарувчан, ўзгариб (айниб) турадиган; **~ая пого́да** ўзгарувчан об-ҳаво; 3 *перен.* айнима, тутуриқсиз, саботсиз; беқарор, бетайин; **~ый хара́ктер** айнима (тутуруқсиз) характер; 4 *спец.* етарлича қаттиқ бўлмаган, юмшоқ, бўш; **~ая поро́да** етарлича қаттиқ бўлмаган жинс.

НЕУСТРАНИ́МЫ/Й, -ая, -ое бартараф қилиб (йўқотиб) бўлмайдиган, қутулиб бўлмайдиган; **~е поме́хи** йўқотиб бўлмайдиган тўсиқликлар.

НЕУСТРАШИ́МЫ/Й, -ая, -ое жасоратли, жасур, қўрқмас, довюрак, ботир; **~е во́ины** довюрак жангчилар.

НЕУСТРОЕНН/ЫЙ, -ая, -ое 1 тартибга солинмаган, йўлга қўйилмаган; нообод; бесаранжом, беҳаловат; **~ая земля́** нообод ер; **~ый быт** беҳаловат турмуш; 2 турмушининг тайини йўқ; **~ый челове́к** турмушининг тайини йўқ киши.

НЕУСТРОЙСТВО *с* тартибга солинмаганлик, йўлга қўйилмаганлик, бесаранжомлик.

НЕУСЫПНЫ/Й, -ая, -ое; -пен, -пна бетиним ва астойдил; зийрак; сергак, ҳушёр; **~й труд** бетиним ва астойдил меҳнат; **под ~м надзо́ром** бетиним ва сергак назорат остида.

НЕУТЕШИ́ТЕЛЬНЫ/Й, -ая, -ое; -лен, -льна қаноат ҳосил қилмайдиган, тасалли (таскин) бермайдиган, қувончсиз, кўнгилсиз, қувонарли (кўнгилдагидек) эмас, нохуш; **~е ве́сти** кўнгилсиз (нохуш) хабарлар; **результа́т неутеши́телен** натижа қувонарли (кўнгилдагидек) эмас.

НЕУТЕШН/ЫЙ, -ая, -ое; -шен, -шна юпатиб (овитиб ёки кўнгилдан чиқариб) бўлмайдиган, овинмайдиган, тасалли (таскин) топмайдиган; **~ое го́ре** кўнгилдан чиқариб бўлмайдиган мусибат; **~ый вдове́ц** тасалли топмайдиган бева (эркак).

НЕУТОЛИ́М/ЫЙ, -ая, -ое 1 қонмайдиган, қондириб (қаноатлантириб, юмшатиб, бостириб) бўлмайдиган; **~ая печа́ль** юмшатиб (таскин бериб) бўлмайдиган қайғу; **испы́тывать ~ую жа́жду** қондириб бўлмайдиган ташналик сезмоқ; ниҳоятда чанқамоқ; 2 *перен.* кучли, зўр, қаттиқ; **~ая жа́жда зна́ний** билимга бўлган зўр ташналик.

НЕУТОМИ́МЫЙ, -ая, -ое чарчамас, толмас, ҳормас-толмас, тинмайдиган, толиқмайдиган, сергайрат; **~ путеше́ственник** ҳормас-толмас саёҳатчи.

НЕУЧ *м разг.* ўқимаган, билимсиз, илмсиз, нодон.

НЕУЧТИ́ВОСТЬ *ж* 1 иззат-ҳурматни билмаслик, беҳурматлик, беандишалик, беадаблик; 2 беҳурмат муомала; беандишалик (беҳурматлик) билан қилинган иш, айтилган гап, қўполлик.

НЕУЧТИ́В/ЫЙ, -ая, -ое 1 иззат-ҳурматни билмайдиган, ҳурмат қилмайдиган, беҳурмат, беандиша, беадаб, қўпол; **~ый челове́к** иззат-ҳурматни билмайдиган одам; **~ое обраще́ние** беадаб муомала, ҳурматсизлик.

НЕУЯЗВИ́М/ЫЙ, -ая, -ое 1 ўқ тегмайдиган; зарба етмайдиган; олиб (ишғол қилиб ёки йўлаб, яқинлашиб) бўлмайдиган; мустаҳкам; **~ая оборо́на** мустаҳкам мудофаа; **[Самолёты] возвраща́лись с бомбёжки на ~ой высоте́** (Леонов) [Самолётлар] ўқ етмайдиган баландликда бомбардимондан қайтиб келмоқда эди; 2 камчилик (хато) топиб бўлмайдиган, бекам-кўст, бехато, бенуқсон; **~ое доказа́тельство** камчилик топиб бўлмайдиган (бехато) исбот.

НЕФРИ́Т I *м мед.* нефрит (буйрак яллиғланиши).

НЕФРИ́Т II *м* нефрит (яшил ёки сутранг ярим шаффоф минерал).

НЕФРИ́ТОВЫЙ, -ая, -ое нефрит II га оид; нефритдан қилинган, нефрит...; **~ пе́рстень** нефрит кўзли узук.

НЕФТЕНАЛИВН/О́Й, -а́я, -о́е нефть ташийдиган; **~о́е су́дно** нефть ташийдиган (ташувчи) кема.

НЕФТЕНОСНЫ/Й, -ая, -ое нефтли, нефтга бой; **~е пласты́** нефтли (нефтга бой) қатламлар.

НЕФТЕПЕРЕГО́ННЫЙ, -ая, -ое нефтни ҳайдайдиган (ҳайдаш йўли билан нефть маҳсулотлари — бензин, керосин ва ҳ. к. оладиган); нефть ҳайдаш...; **~ заво́д** нефть ҳайдаш заводи.

НЕФТЕПЕРЕРАБА́ТЫВАЮЩИЙ, -ая, -ее нефтни қайта ишлайдиган, нефтни қайта ишлаш...; **~ заво́д** нефтни қайта ишлаш заводи.

НЕФТЕПРОВО́Д *м* нефтепровод, нефть қувури.

НЕФТЕПРОДУ́КТЫ *мн. (ед.* **нефтепроду́кт** *м)* нефть маҳсулотлари, нефтни қайта ишлаб олинадиган маҳсулотлар бензин, керосин, мазут ва ҳ. к.).

НЕФТЕПРОМЫ́ШЛЕННИК *м* 1 нефть конлари хўжайини; 2 нефть саноати ходими, ишчиси.

НЕФТЕПРОМЫ́ШЛЕННОСТЬ *ж* нефть саноати.

НЕФТЕПРОМЫ́ШЛЕННЫЙ, -ая, -ое нефть саноатига оид; нефть саноати...; **~ райо́н** нефть саноати райони.

НЕФТЕХРАНИ́ЛИЩЕ *с* нефть сақланадиган жой, нефть омбори.

НЕФТЬ *ж* нефть.

НЕФТЯНИК *м* 1 нефтчи, нефть саноати ишчиси ёки мутахассиси; 2 *разг. уст. то же, что* **нефтепромы́шленник** 1.

НЕФТЯН/О́Й, -а́я, -о́е 1 нефтга оид; нефтли; нефть...; **~а́я промы́шленность** нефть саноати; **~о́й исто́чник** нефть кони; нефть манбаи; 2 нефть билан ишлайдиган; нефть...; **~о́й дви́гатель** нефть билан ишлайдиган двигатель; 3 нефтдан олинадиган (чиқадиган); нефть....; **~о́й газ** нефть гази.

НЕХВА́ТКА *ж, р. мн.* **-ток** *разг.* етишмаслик, камлик; танглик, етишмовчилик, йўқчилик; **~ рабо́чей си́лы** иш кучининг етишмаслиги (камлиги).

НЕХИТР/ЫЙ, -ая, -ое; -хитёр, -хитра́, -хи́тро 1 содда, соддадил, гўл; **~ый ма́льчик** содда (соддадил) бола; 2 оддий, содда, мураккаб эмас; **~ое устро́йство** содда қурилма.

НЕХОДОВ/О́Й, -а́я, -о́е *разг.* 1 юрмайдиган, тўхтаб ётган, бузуқ; **~ые маши́ны** юрмайдиган (тўхтаб ётган) машиналар; 2 унча яхши ўтмайдиган (сотилмайдиган), харидоргир (бозори чаққон) эмас; касод; **~о́й това́р** унча яхши ўтмайдиган мол.

НЕХОЖЕНЫ/Й, -ая, -ое юрилмайдиган, кам юриладиган, камқатнов; **~е тро́пы** кам юриладиган сўқмоқлар.

НЕХОРО́Ш/ИЙ, -ая, -ее 1 яхши эмас, ёмон, ярамас; **~ая пого́да** ёмон (бузуқ) об-ҳазо; **~ий челове́к** ёмон одам; 2 хунук, ёқимсиз, чиройли эмас; **он ~ собо́й, но душа́ его́ прекра́сна** унинг ўзи чиройли эмас, лекин юраги жуда тоза.

НЕХОРОШО́ 1 *нареч.* ёмон, ножўя, чакки; **вы ~ поступи́ли** сиз яхши иш қилмадингиз (чакки қилдингиз); 2 *безл. в знач. сказ.* яхши эмас, яхши деб бўлмайди, ёмон, ўнғайсиз; **э́то ~** бу яхши эмас; 3 *безл. в знач. сказ.* беҳуд (беҳузур) бўлди(м); **ему́ ста́ло ~** у беҳузур бўлди.

НЕХО́ТЯ *нареч.* 1 истар-истамас, хоҳламасдан, зўрға, аранг; **~ отвеча́ть на вопро́сы** саволларга истар-истамас жавоб бермоқ; 2 бехосдан, билмасдан, беихтиёр, ноилож; **ребёнок так хоро́ш, что ~ залюбу́ешься** бола шунчали ширинки, беихтиёр яхши кўриб қоласан.

НЕЦЕЛЕСООБРА́ЗН/ЫЙ, -ая, -ое; -зен, -зна мақсадга мувофиқ бўлмаган (тўғри келмайдиган); **номувофиқ, бе-**

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳуда; **~ая тра́та вре́мени** вақтни беҳуда (бекорга) кетказиш; **счита́ть ~ым** мақсадга номувофиқ деб топмоқ.

НЕЦЕНЗУ́РНЫЙ, -ая, -ое; -рен, -рна 1 цензура талабларига жавоб бермайдиган; тақиқланган; 2 беадаб, уят, қўпол; **~е выраже́ния** уят гаплар

НЕЧАЯ́ННЫЙ, -ая, -ое 1 беихтиёр (билмасдан, бехосдан) қилинган; ғайриихтиёрий; тасодифий; **~ый вы́стрел** билмасдан (тасодифан) отиб юбориш; тасодифий ўқ; 2 бехосдан (қўққисдан, тўсатдан) бўлган; кутилмаган, ногоҳоний; **~ая встре́ча** кутилмаган учрашув.

НЕ́ЧЕГО I, не́чему, не́чем, не́ о чем *мест. отриц. с неопр.* ҳеч нарса, ҳеч нима; ҳеч нима йўқ; **мне бо́льше ~ сказа́ть** бошқа айтадиган гапим йўқ; **рассужда́ть здесь не́ о чем** бу ерда баҳслашадиган нарса йўқ (баҳсга ўрин йўқ); ✦ **де́лать ~** *в знач. вводн. сл.* начора, илож қанча; майли, бўпти; **~ говори́ть** *в знач. вводн. сл.* турган гап; жуда аниқ; равшан, бир нарса дейиш қийин; **от ~ де́лать** бекорчиликдан.

НЕ́ЧЕГО II *в знач. сказ. с неопр. разг.* 1 керак эмас, кераги (ҳожати) йўқ; **~ об э́том и ду́мать** бу тўғрида ўйлаш ҳам керак эмас; буни хаёлга келтирмаса ҳам бўлади; 2 кераги йўқ, ортиқча, бефойда; **~ разгова́ривать** гапириб ўтиришнинг кераги йўқ; гапириш ортиқча (бефойда).

НЕЧЕЛОВЕ́ЧЕСК/ИЙ, -ая, -ое 1 ғайриинсоний, инсонга номуносиб, одамгарчиликдан ташқари; **~ое отноше́ние** ғайриинсоний муносабат; 2 фавқулодда, ҳаддан ташқари, ортиқ, киши қўлидан келмайдиган; **~ие уси́лия** ортиқ зўр бериш.

НЕЧЕЛОВЕ́ЧН/ЫЙ, -ая, -ое; -чен, -чна шафқатсиз, ваҳшиёна, ғайриинсоний; **~ое поведе́ние** ғайриинсоний ҳаракат.

НЕЧЕРНОЗЕ́МНЫ/Й, -ая, -ое қора тупроқли бўлмаган, ноқоратупроқ; **~е райо́ны страны́** мамлакатнинг ноқоратупроқ районлари.

НЕЧЕ́САН/ЫЙ, -ая, -ое *разг.* таралмаган, тўзғиган; **ходи́ть с ~ой голово́й** сочларини тарамай юрмоқ.

НЕЧЕСТИ́ВЫЙ, -ая, -ое *уст.* бетавфиқ, мункир, муртад; гуноҳли; гуноҳ...; **~ посту́пок** гуноҳ иш.

НЕЧЕ́СТНЫЙ, -ая, -ое; -тен, -тна виждони (инсофи, диёнати) йўқ, виждонсиз, инсофсиз, диёнатсиз, ноинсоф; тирриқ; **~ челове́к** ноинсоф одам; тирриқ одам; **~ посту́пок** виждонсизлик билан қилинган иш, ноинсофлик.

НЕ́ЧЕТ *м разг.* тоқ, тоқа; тоқ сон; **чёт и ~** жуфт ва тоқ.

НЕЧЁТН/ЫЙ, -ая, -ое тоқ, жуфт эмас; **~ое число́** тоқ сон; **~ые номера́** тоқ номерлар.

НЕЧИ́СТО 1 *нареч.* ифлос (кир) қилиб (бўлиб); тоза қилмай; ифлос, **~ подметённый двор** тоза супурилмаган ҳовли; **~ вы́полненный чертёж** ифлос бажарилган чизма; 2 *безл. в знач. сказ.* ивирсиқ, ифлос, ивирсиган, итирқини. **В конто́ре бы́ло ду́шно и ~** (Л. Толстой) Маҳкама дим ва ифлос эди; 3 *безл. в знач. сказ. прост. уст.* нопоклик (палидлик) бор; **здесь что-то ~** бу ерда қандайдир палидлик (палид иш) бор.

НЕЧИСТОПЛО́ТНЫ/Й, -ая, -ое; -тен, -тна 1 нопок, ифлос, иссиқ; **~й челове́к** ифлос одам; 2 *перен.* палид, мурдор, ярамас, жирканч, нопок; **~е дельцы́** палид корчалонлар; **~й посту́пок** нопок (палид) иш.

НЕЧИСТОТА́ *ж* 1 ифлослик, ивирсиганлик, ивирсиқлик; 2 нопок (палид) иш, нопоклик, палидлик, мурдорлик; 3 *мн.* **нечисто́ты** нажас, ахлат.

НЕЧИ́СТ/ЫЙ, -ая, -ое 1 кир, ифлос, иркит, иссиқ; **~ое бельё** кир ич кийим; **~ая посу́да** ифлос идиш-товоқ; 2 ифлос, ивирсиган, ивирсиқ; булғанч; **~ый двор** ивирсиқ ҳовли; **~ый во́здух** ифлос ҳаво; 3 бирор нарса аралашган (қўшилган), аралаш, тоза (соф) эмас; хира (ранг ҳақида); **~ая гли́на** бирор нарса аралашган лой; **э́то ~ая шерсть** бу тоза шерсть эмас; 4 қони қўшилган, дурагай; 5 *перен.* инсофсиз, ноинсоф, ифлос, нопок; палид, мурдор; 6 аниқ (равшан) эмас, ғализ, хато, нотўғри; **~ое произноше́ние** нотўғри талаффуз; 7 яхши (тоза) ишланмаган, нариданбери ишланган, чала-чулпа; **~ая рабо́та** чала-чулпа иш; 8 ҳаром, макруҳ; 9 *в знач. сущ.* **~ый** *м* жин, ажина, шайтон, **~ый попу́тал** шайтон йўлдан урган (оздирган); ✦ **~ая си́ла** *прост. уст.* инс-жинс, шайтон; **на́ руку ~ (~ый)** қўли эгри, ўғри.

НЕ́ЧИСТЬ *ж собир.* 1 жин, ажина, иблис, алвасти ва ҳ. к.; инс-жинс; 2 *перен.* ифлос вужуд, манфур; **фаши́стская ~** манфур фашистлар; 3 *перен.* жирканч (махлуқотлар, жониворлар).

НЕЧЛЕНОРАЗДЕЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое; -лен, -льна тушуниб (англаб) бўлмайдиган, ноаниқ, норавшан, мужмал, мўҳмал; **~ая речь** тушуниб бўлмайдиган гап.

НЕ́ЧТО *мест. неопр.* бир нарса, нимадир; **с ним случи́лось ~ стра́нное** у қандайдир бир қизиқ (ғалати) воқеага учради, унга нимадир бўлди; **ма́льчик смастери́л ~ вро́де вертолёта** бола вертолётга ўхшаган бир нарса ясади; **мне необходи́мо сообщи́ть вам ~ ва́жное** мен сизга бир муҳим нарса айтмоқчиман.

НЕЧУ́ТК/ИЙ, -ая, -ое; -ток, -гка́, -тко 1 яхши сезмайдиган, ҳис қилмайдиган, сезгир эмас, ҳиссиз; **~ое у́хо** яхши сезмайдиган (эшитмайдиган) қулоқ, оғирроқ қулоқ; **~ие па́льцы** ҳиссиз бармоқлар; 2 ғамхўрликни билмайдиган, бировга қайишмайдиган, бепарво, лоқайд; **~ий челове́к** ғамхўрликни билмайдиган (бировга қайишмайдиган) одам; **~ое отноше́ние к чужо́му го́рю** бировнинг қайғусига лоқайд (бепарво) қараш.

НЕШУ́ТОЧН/ЫЙ, -ая, -ое; -чен, -чна ҳазилакам (ҳазил) эмас, осон (ўнгай) эмас; жиддий; **де́ло ~ое** ҳазилакам (ҳазил) иш эмас.

НЕЩА́ДН/ЫЙ, -ая, -ое; -ден, -дна аёв бермайдиган, аямайдиган, аёвсиз, раҳмсиз, шафқатсиз, бераҳм, қаттиқ; **~ое наказа́ние** шафқатсиз жазо; **~ый зно́й** аёвсиз жазирама.

НЕЭКОНОМН/ЫЙ, -ая, -ое; -мен, -мна 1 тежаб-тергашни (тежамкорликни) билмайдиган, исрофгар; **~ая хозя́йка** тежаб-тергашни билмайдиган уй бекаси; 2 тежамли (тежамкор) эмас; тежамасдан қилинган (қилинадиган); **~ое расхо́дование средств** маблағларни тежамасдан сарфлаш.

НЕЭТИ́ЧНЫЙ, -ая, -ое; -чен, -чна одобдан ташқари, беадаб, беадабларча; **~ посту́пок** беадаб(ларча) хатти-ҳаракат.

НЕЯ́ВКА *ж* келмаслик, ҳозир бўлмаслик, келмай қолиш; **~ на заня́тия** машғулотларга келмаслик.

НЕЯ́РК/ИЙ, -ая, -ое; -рок, -ркá, -рко 1 равшан (ёрқин, ёруғ) эмас, хира, паст; **~ий свет** хира (паст) ёруғ; 2 *перен.* кўзга ташланмайдиган, одми; ўлик; **~ое пла́тье** одми кўйлак; 3 *перен.* унча ифодали бўлмаган, мужмал; **~ое описа́ние** унча ифодали бўлмаган тавсиф.

НЕЯ́СНО 1 *нареч.* ноаниқ, хира, ғира-шира; **~ ви́димые предме́ты** хира (ғира-шира) кўринаётган нарсалар; **~ говори́ть** ноаниқ гапирмоқ; 2 *безл. в знач. сказ.* тушунарли эмас, тушунилмайди, тушунмади(м); **мне ~, повтори́те** мен тушунмадим, қайтарсангиз.

НЕЯ́СНОСТ/Ь *ж* 1 равшан эмаслик, ноаниқлик, хиралик, қоронғилик; **~ь слов** сўзларнинг ноаниқлиги; 2 ноаниқлик, ноаниқ (қоронғи) нарса, гап, фикр ва ҳ. к.; **в те́ксте мно́го ~ей** текстда ноаниқ (қоронғи) жойлар (ноаниқликлар) кўп.

НЕЯ́СНЫ/Й, -ая, -ое; -сен, -сна́, -сно 1 равшан (ёрқин, ёруғ) эмас, яхши (аниқ) кўринмайдиган, қоронғи, хира, ғира-шира; **~е очерта́ния гор** тоғларнинг хира кўриниши; **~е да́ли** ғира-шира йироқликлар; 2 ноаниқ, тушуниб бўлмайдиган, мужмал, мўҳмал, мубҳам, қоронғи; **~е зву́ки** ноаниқ товушлар; **~е намёки** мубҳам имо-ишоралар; **~е мысли** ноаниқ (қоронғи) фикрлар.

НИ I 1 *частица усилит.* бўлишсизликни ифодаловчи гап маъносини кучайтиради: **по пути́ мне не встре́тился ни оди́н челове́к** йўлда менга бирорта (битта ҳам) одам учрамади; 2 *частица усилит.* тасдиқни билдирувчи гап маъносини кучайтиради; **во что бы то ни ста́ло** қандай бўлмасин; **кто бы ни́ был** ким бўлмасин; 3 *частица отриц.* қатъий буйруқ ёки ман этиш маъносини билдиради; **ни с ме́ста!** жойинг(из)дан қўзғалма(нг)!; 4 *союз* гап бўлакларини боғлаш учун хизмат қилади; на; ҳам; **я не ве́рю ни тебе́, ни ему́** мен унга ҳам, сенга ҳам ишонмайман; **ни взад ни вперёд** на орқага, на олдинга; ✦ **ни-ни** *разг.* асло, сира, ҳеч, йўқ-йўқ.

www.ziyouz.com kutubxonasi

НИ II «никто», «ничто», «никакой», «никоторый», «ничей» олмошларининг кўмакчи билан келганда ажратиб ёзиладиган қисми; мас., **ни от кого́, ни от чего́, ни о чём, ни в ко́ем слу́чае, ни с кем** ва ҳ. к.

НИВ/А *ж* 1 экинзор, дала, экин майдони; **колхо́зные ~ы** колхоз далалари; 2 *перен. чего* или *какая* фаолият майдони, соҳа, бора; **труди́ться на ~е просвеще́ния** маориф соҳасида ишламоқ.

НИВЕЛИ́Р *м геод.* нивелир (ернинг паст-баландлигини бирор нуқтага нисбатан ўлчайдиган асбоб).

НИВЕЛИ́РН/ЫЙ, -ая, -ое нивелирга ва нивелирлашга оид; нивелир ёрдамида қилинадиган; нивелир...; нивелирлаш...; **~ая тру́бка** нивелир трубкаси; **~ые рабо́ты** нивелирлаш ишлари.

НИВЕЛИ́РОВАТЬ *сов.* и *несов.* 1 *геод.* нивелирламоқ, нивелировка қилмоқ, паст-баландлигини ўлчамоқ; 2 *перен.* баробарлаштирмоқ, тенглаштирмоқ, орадаги фарқни йўқотмоқ; текислаб юбормоқ; **~ противоре́чия** зиддиятларни текислаб юбормоқ.

НИВЕЛИ́РОВАТЬСЯ 1 *сов.* и *несов.* бараварлашмоқ, текисланмоқ, йўқолмоқ; 2 *несов. страд. от* **нивели́ровать.**

НИВЕЛИ́РОВКА *ж по гл.* **нивели́ровать.**

НИВЕЛИРОВЩИК *м геод.* нивелировкачи.

НИВХ *м* нивх; *см.* **ни́вхи.**

НИ́ВХИ *мн. (ед.* **нивх** *м,* **нивхка** *ж)* нивхлар (Амур этаклари ва Сахалин оролида яшовчи элат).

НИ́ВХКА *ж, р. мн.* **-хок** нивх аёл; *см.* **ни́вхи.**

НИ́ВХСКИЙ, -ая, -ое нивхларга оид; нивх(лар)...; **~ язы́к** нивх тили.

НИГДЕ́ *нареч.* ҳеч қайда, ҳеч қаерда, ҳеч бир ерда, ҳеч жойда; **~ его́ нет** у ҳеч қаерда йўқ; **~ не найдёшь** ҳеч қаердан тополмайсан.

НИГИЛИ́ЗМ *м* нигилизм (1 19-асрнинг 60-йиллари Россияда: разночинец интеллигенциянинг ҳоким идеологияга, крепостнойчиликка ва ҳ. к. га қарши ижтимоий дунёқараши: 2 ҳар қандай норма, принцип ва қонунларни инкор этиш).

НИГИЛИ́СТ *м* 1 нигилист, нигилизм тарафдори; 2 нигилист (ҳар қандай норма, принцип ва қонунларни инкор этувчи).

НИГИЛИСТИ́ЧЕСК/ИЙ, -ая, -ое нигилизмга ва нигилистларга оид; нигилистик; **~ое отноше́ние к иску́сству** санъатга нигилистик муносабат.

НИГИЛИ́СТКА *ж, р. мн.* **-ток** *см.* **нигили́ст.**

НИГРОЛ *м* нигрол (нефть қолдиғидан олинадиган мой).

НИЖАЙШ/ИЙ, -ая, -ее *см.* **ни́зкий; ✦ ~ий покло́н** икки букилиб салом бериш; ҳақирона (хокисорона) салом; **~ее почте́ние** ҳақирона (хокисорона) тавозе.

НИЖЕ 1 *см.* **ни́зкий** и **ни́зко; он ~ бра́та на го́лову** у акасидан бир бош паст; у акасининг елкасидан келади; 2 *нареч.* қуйига, пастга, қуйи (паст) томонга, қуйи(роқ); паст(роқ); **спусти́ться ~** пастроқ тушмоқ; пастга тушмоқ; 3 *нареч.* қуйида, пастда, тубанда, қуйига, пастга; **об э́том ~** бу ҳақда қуйида сўз боради; **смотри́(те) ~** пастга қара(нг); 4 *предлог с р.* қуйида, пастда, пастида, остида; ... дан паст; **ушиб ~ коле́на** тиззанинг пастидаги шикаст; **пять гра́дусов ~ нуля́** ҳарорат нолдан беш даража паст; беш даража совуқ; 5 *предлог с р.* қуйида, қуйи томонида, пастроқда, этагида; **~ исто́ка безымя́нной рече́шки мы разби́ли ла́герь** кичкина дарё манбаидан пастроқда лагерь қурдик; **✦ ~ досто́инства** *чьего* ярашмайди, муносиб эмас, қадрини (обрўйини) кетказади; **~ (вся́кой) кри́тики** (ҳар қандай) танқиддан тубан.

НИЖЕПОДПИСАВШ/ИЙСЯ, -аяся, -еяся қуйида (тубанда) қўл қўювчи (қўйган); **мы, ~иеся** биз тубанда қўл қўювчилар.

НИЖЕСТОЯЩ/ИЙ, -ая, -ее қуйи, пастки; **~е организа́ции** қуйи ташкилотлар.

НИ́ЖН/ИЙ, -яя, -ее 1 пастки, остки; қуйи; **~ий эта́ж** пастки қават; **~яя че́люсть** остки жағ; 2 ич, ички; **~ее бельё** ички (ич) кийимлар; 3 этакдаги; қуйи (дарё оқими ҳақида); **~ее тече́ние реки́** дарёнинг қуйи оқими (этаги); 4 *муз.* энг паст (тон, оҳанг); **~ий регистр** энг паст регистр.

НИЗ *м, предл.* **о ни́зе, на низу́,** *мн.* **-ы** 1 ост, туб, таг; қуйи; паст, охир, кет; **~ ваго́на** вагоннинг ости (таги); 2 *разг.* дарёнинг этаги, қуйи томони; оёғи; 3 *мн.* **~ы́** *разг.* қуйи табақалар, кенг омма, оддий халқ (синфий жамиятда); 4 *мн.* **~ы́** *муз.* паст товушлар, ноталар.

НИЗ-, -НИС- *приставка* феъл олд қўшимчаси бўлиб, иш-ҳаракатнинг юқоридан пастга йўналганлигини билдиради; мас., **низве́ргнуть, ниспрове́ргать.**

НИЗА́ТЬ, ниж у́, ни́жешь *несов. что* 1 тизмоқ, ипга тизмоқ, термоқ, шодаламоқ; **~ бу́сы** мунчоқларни ипга тизмоқ; **~ грибы́ для су́шки** қуритиш учун замбуруғларни шодаламоқ; 2 тизиб (териб) маржон (шода ва ҳ. к.) қилмоқ, қадаб тиқмоқ; **~ ожере́лье из жемчуга** марваридлардан маржон қилмоқ; **~тюбете́йку би́сером** нозик қадаб дўппи тикмоқ; 3 *перен.* қофиясини келтириб сўзламоқ, ёзмоқ, боғлаб гапирмоқ, қофиялаб ташламоқ; **так и ни́жет слова́** сўзларни боғлаб (қофиясини келтириб) қотириб ташлайди.

НИЗВЕРГА́ТЬ *несов. см.* **низве́ргнуть.**

НИЗВЕРГА́ТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **низве́ргнуться;** 2 *книжн.* юқоридан қуламоқ; баланддан тушиб турмоқ, қулаб кетмоқ; **с шу́мом ~ются водопа́ды** шалолалар баланддан шовиллаб тушиб туради (турибди); 3 *страд. от* **низверга́ть.**

НИЗВЕ́РГНУТЬ, -ну, -нешь; -е́рг и **-е́ргнул, -е́ргла** *сов. (несов.* **низверга́ть)** *кого-что книжн.* 1 юқоридан ташламоқ, қулатмоқ; ташлаб (қулатиб) юбормоқ; **~ с верши́ны го́ры** тоғ чўққисидан ташлаб юбормоқ; 2 *перен.* ағдармоқ, ағдариб ташламоқ; қулатмоқ, йиқитмоқ; **~ самодержа́вие** самодержавиени ағдариб ташламоқ.

НИЗВЕРГНУ́ТЬСЯ *сов. (несов.* **низверга́ться)** *книжн.* юқоридан тушмоқ, қуламоқ, ағдарилиб (қулаб) кетмоқ.

НИЗИ́Н/А *ж* пастлик, паст жой, ува; **село́ располо́жено в ~е** қишлоқ пастликда жойлашган.

НИЗИ́НН/ЫЙ, -ая, -ое пастликда жойлашган; пастликда бўладиган; пастликдаги; пастлик...; ува...; **~ый уча́сток** пастлик участкаси; **~ая трава́** пастликда ўсадиган ўт; **~ое боло́то** пастликдаги ботқоқ.

НИЗК/ИЙ, -ая, -ое; -зок, -зка́, -зко; ни́же, ни́зший и **нижа́йший** 1 паст, бўйи (қадди) қисқа, пастак, пакана, пастбўй; **~ий забо́р** паст девор; **~ий канделя́бр** паст шам; **~ий потоло́к** паст шип; **челове́к ~ого ро́ста** пастбўй одам; 2 паст; кам, кучсиз; **~ая температу́ра** паст ҳарорат; **~ий у́ровень производи́тельности труда́** меҳнат унумдорлигининг паст даражадалиги; 3 паст, жўн, сифатсиз; **си́тец ~ого ка́чества** сифати паст чит; 4 паст, қолоқ, орқада қолган; **~ая культу́ра** паст маданият; 5 *перен.* паст, пасткаш, тубан, қабиҳ, разил, сафил, палид, мурдор; **~ая ли́чность** пасткаш (палид) одам; **~ий посту́пок** палид иш; 6 *уст* қуйи табақаларга мансуб, зодагон эмас, оддий (синфий жамиятда); **~ое сосло́вие** қуйи табақалар; 7 *муз.* йўғон; паст; **~ий го́лос** йўғон овоз; **✦ ~ий лоб** тор пешана; **~ий покло́н** икки букилиб салом бериш; камтарона таъзим.

НИЗКО 1 *нареч.* паст қилиб, паст тушиб; паст кетиб; паст; **~ лете́ть** паст учмоқ; **~ поступи́ть** пасткашлик қилмоқ; паст кетмоқ; 2 *в знач. сказ.* паст, пастда; **окно́ ~ от земли́** дераза паст жойлашган; **со́лнце уже́ ~** қуёш қайтди, қуёш бота бошлади.

НИЗКОПОКЛО́ННИК *м* тиз чўкиб сажда қилувчи; хушомадгўй, лаганбардор.

НИЗКОПОКЛО́ННИЧАТЬ *несов.* тиз чўкиб сажда қилмоқ; лаганбардорлик (хушомадгўйлик, хушомад) қилмоқ.

НИЗКОПОКЛО́НСТВО *с* тиз чўкиб сажда қилиш; хушомадгўйлик, лаганбардорлик.

НИЗКОПРО́БН/ЫЙ, -ая, -ое; -бен, -бна 1 паст пробали, пробаси паст; тоза (соф, нуқул) эмас; **~ое зо́лото** паст пробали олтин; 2 *перен.* сифати паст; сийқа, саёз, жўн; **~ое вино́** сифати паст вино; **~ая кни́га** саёз китоб; 3 *перен.* паст, пасткаш, тубан, пастарин; **~ый деле́ц** пастарин корчалон.

НИЗКОРО́СЛЫЙ, -ая, -ое паст бўйли, пастак, бўйи паст, пастбўй, пакана; **~ челове́к** бўйи паст (пастбўй) одам; **~ куста́рник** бўйи паст бута.

НИЗКОСО́РТНЫЙ, -ая, -ое нави паст, паст навли; хашаки; **~ това́р** паст нав товар.

НИЗЛАГА́ТЬ *несов. см.* **низложи́ть.**

www.ziyouz.com kutubxonasi

НИЗЛОЖИ́ТЬ *сов.* (*несов.* **низлага́ть**) 1 *кого* ағдармоқ, йиқитмоқ, туширмоқ, ағдариб ташламоқ; ~ **царя́** подшони тахтдан туширмоқ; 2 *перен* ерга урмоқ, туширмоқ, тўкмоқ; ~ *чей-л.* **авторите́т** кимсанинг обрўйини тўкмоқ.

НИ́ЗМЕННОСТЬ *ж* 1 *геогр.* пасттекислик (денгиз сатҳидан 200 метр баландликдаги ерлар); умуман паст текис ер, ува; 2 *перен.* пастлик, пасткашлик, палидлик, разиллик, палид иш, хатти-ҳаракат; ~ **посту́пка** қилмишининг разиллиги.

НИ́ЗМЕННЫЙ, -ая, -ое 1 пастликдаги, пасттекисликдан иборат; ~**ая ме́стность** пасттекислик; паст текис ер, ува; 2 *перен.* паст, тубан, палид, разил, қабиҳ, ярамас, бузуқ; ~**ые побужде́ния** бузуқ (ярамас) ниятлар.

НИЗОВ/ОЙ, -а́я, -о́е 1 пастки, пастдаги; пастликда бўладиган; ~**а́я трава́** пастликда ўсадиган ўт; ~**о́й ве́тер** пастликдан эсадиган шамол; 2 дарёнинг этагидаги, қуйи; ~**ы́е города́** дарёнинг этагидаги шаҳарлар, қуйи шаҳарлар; 3 қуйи; ~**ы́е организа́ции** қуйи ташкилотлар; ~**о́й рабо́тник** қуйи ташкилот ходими.

НИЗОВЬЯ/Е *с* дарёнинг қуйи томони, этаги, оёғи; **в ~ях Во́лги** Волга дарёси этакларида.

НИЗОЙТИ́, низойду́, низойдёшь, нисшёл, низошла́ *сов.* (*несов.* **нисходи́ть**) *книжн. уст.* 1 пастга тушмоқ; тушмоқ; ~ **с горы́** тоғдан тушмоқ; **низошла́ тишина́** жимжитлик чўкди; 2 *перен.* паст (пастроқ) тушмоқ, бошқа (қуйироқ) гапга (ишга, масалага ва ҳ. к.) ўтмоқ, бир поғона пасаймоқ.

НИ́ЗОМ *нареч.* пастдан, остдан, пастки йўл билан, тоғ (тепалик) этагидан, ер бағирлаб; **объе́хать** ~ пастдан (пастки йўл билан) айланиб чиқмоқ (ўтмоқ).

НИ́ЗОСТЬ 1 пастлик, пасткашлик, тубанлик, разиллик, палидлик, сафиллик, виждонсизлик; 2 разил (палид) иш, хатти-ҳаракат, разолат, сафолат; **дойти́ до ~ей** разолатга кетмоқ, тубан тушмоқ.

НИ́ЗШ/ИЙ, -ая, -ее 1 *см.* **ни́зкий**; 2 энг кичик, энг паст; ~**ая до́лжность** энг кичик лавозим; 3 оддий, содда; бир ҳужайрали, тубан; ибтидоий; ~**ие организ́мы** бир ҳужайрали жониворлар; 4 бошланғич; ибтидоий; ~**ее образова́ние** бошланғич маълумот; 5 *уст.* қуйи (паст) табақаларга мансуб; қуйи, паст (синфий жамиятда); ~**ее сосло́вие** қуйи табақа.

НИКА́К I *нареч.* ҳеч, ҳеч бир, асло, сира; ҳеч қандай; ~ **нельзя́** ҳеч мумкин эмас, сира иложи йўқ; **я ~ не могу́ разобра́ться** мен ҳеч тушунолмаяпман; ✦ ~ **нет** *уст.* ҳечда, ҳеч (асло) бундай эмас, йўқ-йўқ.

НИКА́К II *частица прост.* афтидан, шекилли, чамаси, назаримда; ...бўлса керак; ...га ўхшайди; ~ **он пришёл** у келди шекилли (келганга ўхшайди); **ты, ~, простуди́лся?** сен шамоллаб қолганга ўхшайсан.

НИКА́К/ОЙ, -а́я, -о́е *мест. отриц.* 1 ҳеч, ҳеч қандай, ҳеч қанақа, ҳеч бир, ҳеч қайси; **нет ~о́го сомне́ния** ҳеч қандай шубҳа йўқ; 2 бутунлай, асло, ҳеч қандай; ~**о́й он мне не дя́дя** у менга ҳеч қандай амаки эмас; 3 *в знач. прил. разг.* анчаики, арзимаган, ёмон; **шахмати́ст он ~о́й** у анчаики шахматчи; ✦ **без ~и́х** сўзсиз, индамай, гинг (лом-мим) демай, гап қайтармай; **слу́шайся без ~и́х** сўзсиз итоат қил; ~**и́х гвозде́й** *см.* **гвоздь.**

НИКЕЛЕ́В/ЫЙ, -ая, -ое никелга оид; никелдан қилинган, никелланган; никелли; никель...; ~**ая руда́** никель рудаси; ~**ые спла́вы** никелли қотишмалар, никель қотишмалари; ~**ый ча́йник** никелланган чойнак.

НИКЕЛИРОВА́ННЫЙ, -ая, -ое никелланган, никель югуртирилган; ~**ая посу́да** никелланган идиш-ёқ.

НИКЕЛИРОВА́ТЬ, -рую́, -ру́ешь *несов. что* никелламоқ, никель югуртирмоқ; ~ **ча́йник** чойнакни никелламоқ.

НИКЕЛИРО́ВКА *ж* 1 *по гл.* **никелирова́ть**; 2 никель; никель қатлами (буюмда); ~ **самова́ра сошла́** самовар никели ўчиб кетибди.

НИ́КЕЛЬ *м* никель (химиявий элемент, ялтироқ металл).

НИ́КН/УТЬ, -ну, -нешь; ник, ни́кла *несов.* (*сов.* **поник-нуть** и **сни́кнуть**) 1 сўлимоқ, сўлиб тушмоқ, эгилмоқ, букилмоқ, хам бўлмоқ, бошини қуйи солмоқ; **трава́ ~ет от жары́** иссиқдан ўтлар сўлиб тушяпти; 2 *перен.* бўшашмоқ, шалпаймоқ, ҳолдан кетмоқ; руҳи тушмоқ; 3 *перен.* пасаймоқ, сўнмоқ, ўчмоқ.

НИКО́ГДА *нареч.* ҳеч, ҳеч қачон, ҳеч вақт, асло, сира; **лу́чше по́здно, чем ~** *погов.* ҳеч бўлмагандан кеч бўлгани яхши; **учи́ться ~ не по́здно** ўқишнинг эрта-кечи йўқ; **побе́да ~ не прихо́дит сама́, её на́до завоёвывать** ғалаба ҳеч вақт ўзидан-ўзи келмайди (бўлмайди), уни жанг билан қўлга киритиш керак. ~ **не забу́ду** ҳеч (ҳеч қачон) унутмайман; ✦ **как ~** мисли кўрилмаган даражада, ҳар қачонгидан ҳам; **он был как ~ весе́л** у ҳар қачонгидан ҳам хушвақт эди, у ҳеч қачон бундай хушвақт бўлган эмас эди.

НИКО́/Й, -а́я, -о́е *мест. отриц.*: ~**им о́бразом, ни в ко́ем слу́чае** ҳеч, ҳеч бир, сира; **э́того нельзя́ де́лать ни в ко́ем слу́чае** асло бундай қилмаслик керак.

НИКОТИ́Н *м* никотин (тамаки таркибида бўладиган заҳарли модда).

НИКОТИ́ННЫЙ, -ая, -ое никотинга оид; никотин...; ~ **за́пах** никотин ҳиди.

НИКОТИНО́В/ЫЙ, -ая, -ое никотинли, никотин...; ~**ая кислота́** никотин кислотаси.

НИКТО́, никого́, никому́, ни́кем, ни о ком *мест. отриц.* 1 ҳеч ким, ҳеч кимса, ҳеч бир инсон; **никто́ не зна́ет** ҳеч ким билмайди; **там никого́ нет** у ерда ҳеч ким йўқ; **я никого́ не ви́дел** мен ҳеч кимни кўрганим йўқ; 2 *в знач. сущ.* ~ *м разг.* оддий (амали, нуфузи, қадри ва ҳ. к. йўқ) одам, ҳеч ким, пашмалоқ; **он здесь ~** бу ерда у ҳеч ким эмас; **за никого́ счита́ть** *кого-л.* кимсани одам ўрнида кўрмаслик; 3 *в знач. сущ.* ~ *м нескл. разг.* ҳеч ким; қариндошлиги (танишлиги, алоқаси) йўқ одам; **он мне ~** у менга ҳеч ким бўлмайди (эмас); у менинг ҳеч кимим эмас.

НИКУДА́ *нареч.* 1 ҳеч қаёққа, ҳеч қаерга; ~ **не пое́ду** ҳеч қаёққа бормайман (кетмайман); 2 *в знач. сказ. разг.* жуда ёмон, ярамас, ҳеч нарсага арзимайдиган; **пого́да —** ~ об-ҳаво жуда ёмон. ✦ ~ **годи́тся** ҳеч нарсага ярамайди; жуда ёмон; яхши эмас.

НИКУ́ДЫШН/ЫЙ, -ая, -ое *прост.* ҳеч нарсага арзимайдиган (ярамайдиган), жуда ёмон, ярамас, уч пулга (бир пақирга) қиммат; ~**ая рабо́та** ҳеч нарсага арзимайдиган иш, жуда ёмон иш.

НИКЧЁМН/ЫЙ, -ая, -ое нокерак, ҳеч кераги йўқ, фойдасиз, кераксиз; ~**ая вещь** нокерак нарса.

НИМА́ЛО *нареч.* ҳеч, ҳеч бир, асло, сира, заррача ҳам; **э́то меня́ ~ не пуга́ет** бу мени заррача ҳам чўчитаётгани йўқ (чўчитмайди);— **Он не горд?— Он? Нимало** (Тургенев)— У такаббур эмасми?— Уми? Йўқ, асло.

НИМБ *м то же, что* **орео́л.**

НИ́МФА *ж* 1 нимфа (юнон мифологиясида: табиат кучларининг аёл образидаги илоҳаси); 2 *зоол.* баъзи ҳашаротлар уруғининг ривожланишидаги иккинчи давр).

НИОТКУ́ДА *нареч.* ҳеч қаердан, ҳеч қаёқдан, ҳеч бир жойдан; ~ **нет изве́стий** ҳеч қаёқдан хабар йўқ.

НИПОЧЁМ *нареч.* 1 *разг.* жуда арзон, суветкин; **я́блоки там ~** олма у ерда жуда арзон; 2 *в знач. сказ. для кого* или *кому разг.* осон, ҳеч гап эмас, писанд эмас; **моро́з ему́ ~** унга совуқ писанд эмас.

НИППЕ́ЛЬ *м тех.* ниппель (труба, шланг ва ш. к. ни герметик равишда улайдиган, шунингдек камералардан ҳавони чиқармайдиган деталь); ~ **велосипе́дной ка́меры** велосипед камерасининг ниппели.

НИППЕ́ЛЬНЫЙ, -ая, -ое ниппелга оид; ниппелли; ниппель...

НИРВА́Н/А *ж* 1 нирвана (буддо дини таълимотига кўра: бу дунё ташвишларидан кечиб ўзини роҳат-фароғатда сезиш); 2 *перен.* тинчлик, роҳат, фароғат; ✦ **погрузи́ться в ~у** фароғат денгизига чўммоқ; уйқуга кетмоқ.

НИСКО́ЛЬКО *нареч.* ҳеч, ҳеч бир, ҳеч (сира, заррача) ҳам; сира, асло, зинҳор; **я ~ не уста́л** мен ҳеч чарчаганим йўқ;— **Вы о́чень оби́делись?— Ниско́лько** (Паустовский)— Сиз жуда хафа бўлдингизми?— Йўқ, сира ҳам.

НИСПАДА́ТЬ, -а́ет *несов. книжн.* 1 *см.* **ниспа́сть**; 2 осилиб (солиниб) турмоқ, тушиб турмоқ; **во́лосы ~ют на пле́чи** сочлари елкасига тушиб турипти.

НИСПА́СТЬ, -адёт *сов.* (*несов.* **ниспада́ть**) *книжн.* юқоридан тушмоқ; тушмоқ.

НИСПРОВЕ́РГАТЬ *несов. см.* **ниспове́ргнуть.**

www.ziyouz.com kutubxonasi

НИСПРОВЕ́РГНУТЬ, -ну, -нешь; -ве́рг, -ла *сов.* (*несов.* **ниспровергáть**) *кого-что книжн.* 1 ағдармоқ, йиқитмоқ, қулатмоқ; ~ **стáтую** ҳайкални қулатмоқ; 2 *перен.* ағдариб ташламоқ; йўқ қилмоқ, барҳам бермоқ; тахтдан туширмоқ; ~ **деспоти́ческий строй** деспотик тузумга барҳам бермоқ; 3 *перен.* тўкмоқ, туширмоқ, кеткизмоқ; йўқ қилмоқ; ~ **авторите́т** обрўйини туширмоқ.

НИСХОДИ́ТЬ, -ожу́, -о́дишь *несов. см.* **низойти́.**

НИСХОДЯ́Щ/ИЙ, -ая, -ее 1 *прич. от* **нисходи́ть**; 2 *в знач. прил.* пасайиб (камайиб) борадиган, пасаювчи; **идти́ по ~ей ли́нии** пасайиб бормоқ; таназзулга юз тутмоқ; ✦ **~ее ударе́ние** *лингв.* пасайиб борувчи урғу; **~ая ли́ния родства́** авлод (пасайиб борувчи шажара — бола, невара, чевара, эвара).

НИТЕВИ́ДНЫ/Й, -ая, -ое; -ден, -дна ипсимон, толасимон; ипга (толага) ўхшаш, ипир-ипир, узунчоқ; **~е че́рви** ипсимон (узунчоқ) қуртлар (чувалчанглар); ✦ **~й пульс** *мед.* томирнинг билинар-билинмас (сust) уриши.

НИ́ТК/А *ж, р. мн.* **-ток** 1 ип, таноб, тола; **шёлковая ~а** ипак ип; **катýшка ~и** бир ғалтак ип; **вдеть ~у в игóлку** игнага ип ўтказмоқ; 2 *чего или какой* ипга тизилган нарса; шода; маржон; **~а жéмчуга** бир шода инжу; инжу маржон; **3** *перен. чего или какая* чўзилиб кетган (ётган) нарса, чизиқ, йўл; **~а рекú** дарё чизиғи; чўзилиб кетган дарё; ✦ **бéлыми ~ами шитó** кўрга ҳасса (қалбакилиги, сохталиги ва ҳ. к. очиқ кўриниб турган нарса ҳақида); **до (после́дней) ~и обобра́ть** бор-йўғини шилмоқ, шип-шийдон қилмоқ; **промокну́ть до ~и** сувга тушган бўлкадай ивимоқ; ич-ичигача ивиб кетмоқ.

НИ́ТОЧК/А *ж, р. мн.* **-чек** 1 *уменьш. от* **ни́тка** кичик (калта ёки ингичка) ип, ипча; 2 *уменьш. от* **нить** *то же, что* **нить** 3 ✦ **висéть** (или **держáться**) **на ~е** қил устида турмоқ; **по ~е разобра́ть** синчиклаб (миридан-сиригача) текширмоқ; **ходи́ть (как) по ~е** бировнинг чизган чизиғидан чиқмаслик.

НИ́ТОЧН/ЫЙ, -ая, -ое ипга оид; ип...; **~ая фáбрика** ип фабрикаси; **~ая катýшка** ип ғалтаги.

НИ́ТРАТЫ *мн. (ед.* **нитра́т** *м) хим.* нитратлар (азот кислотасининг тузлари).

НИТРОГЛИЦЕ́РИН *м хим.* нитроглицерин (глицерин ва нитрат кислота бирикмасидан иборат мойсимон модда; портловчи модда ва дори сифатида ишлатилади).

НИ́ТЧАТЫ/Й, -ая, -ое *спец.* ипга ўхшаш, ипсимон; **~е расте́ния** ипсимон ўсимликлар.

НИТ/Ь *ж* 1 *то же, что* **ни́тка**; **~ь осно́вы** ўриш ипи; **ре́льсовая ~ь** темир йўл чизиғи; чўзилиб кетган темир йўл; **~ь жéмчуга** инжу шодаси (маржони); 2 *перен. чего или какая* ипсимон нарса; тола; **не́рвные ~и** асаб (нерв) толалари; 3 *перен. чего или какая* риштa, ип, калава, уч, тизма; **~ь воспомина́ний** хотиралар тизмаси; **потеря́ть ~ь разгово́ра** гапнинг учини (калавасини) йўқотиб қўймоқ; **~и дру́жбы** дўстлик ришталари; ✦ **проходи́ть** (или **тяну́ться**) **кра́сной ~ью** *см.* **кра́сный**; **Ариа́днина ~ь** мушкул (оғир) аҳволдан қутулиш имконини берадиган, мушкулини осон қиладиган нарса ҳақида.

НИТЯНЫ/Й, -ая, -ое ипдан қилинган, тўқилган; ип...; **~е перча́тки** ипдан тўқилган қўлқоп; ип қўлқоп.

НИХРО́М *м* нихром (никель, темир ва хром қотишмаси).

НИХРОМО́ВЫЙ, -ая, -ое нихромдан қилинган; нихром...

НИЦ *нареч. книжн.* мукка тушиб, пешанани ерга теккизиб, юз тубан; **па́дать ~** мукка тушмоқ; юз тубан йиқилмоқ; пешанани ерга теккизмоқ (мас., саждада).

НИЦШЕА́НЕЦ *м, р.* **-нца** ницшечи, Ницше тарафдори.

НИЦШЕА́НСТВО *с* ницшечилик (империализм даври буржуа философиясида: ўтакетган индивидуализмни, «фавқулодда» инсон культини олға сурган ва фашизм идеологиясининг асосларидан бири бўлиб хизмат қилган реакцион йўналиш).

НИЧЕГО́ I *нареч.* 1 дуруст, тузук, яхши, чакки (ёмон) эмас, бинойидай; **он чу́вствует себя́ ~** у тузук бўлиб қолди; унинг соғлиги (кайфи-аҳволи) дуруст; **живёт ~ себе́** у дуруст (яхши) яшаб турибди; турмуши ёмон эмас; 2 *в знач. сказ.* баҳарнов; ёмон эмас, дуруст, тузук; **жизнь там ~** у ерда ҳаёт ёмон эмас; **3** *в знач. сказ.* ҳеч нима (ҳеч нарса) эмас, зарари (аҳамияти) йўқ, майли, қўявер; **э́то ~** бу ҳеч нарса эмас, бунинг зарари йўқ; **пусть придёт, ~** майли, келаверсин; **что с ва́ми?— Ничего́** сизга нима бўлди?— Ҳеч нарса; **4** *в знач. сказ. кому* бари бир, писанд эмас; **ему́ всё ~** унга ҳаммаси бари бир; унга ҳеч нарса писанд эмас; 5 *нареч.* «дуруст... эмиш», «қаёқда дуруст», «...бўптими» каби киноя маъноларини билдиради; **~ себе́ инжене́р: чертежи́ не уме́ет чита́ть** дуруст инженер эмиш: чизмани ўқишни билмайди-ку.

НИЧЕГО́ II *мест. отриц. неизм. разг. см.* **ничто́ 1**; **его́ ~ не интересу́ет** уни ҳеч нарса қизиқтирмайди.

НИЧЕГОНЕДЕ́ЛАНИЕ *с разг.* бекор (сандироқлаб) юриш, ҳеч нима (ҳеч бир иш) қилмаслик, бекорчилик.

НИЧЕ́Й, -чья́, -чьё *мест.* 1 *отриц.* ҳеч кимники эмас, эгаси йўқ, эгасиз, байталмон; **э́ти ве́щи ничьи́** бу нарсаларнинг эгаси йўқ, бу нарсалар ҳеч кимники эмас; **2** *неопр.* ҳеч кимнинг, кимники бўлмасин, бари бир; **ничьи́ сове́ты ему́ не нужны́** унга ҳеч кимнинг маслаҳати керак эмас; **ничья́ по́мощь не помо́жет** ҳеч кимнинг ёрдами фойда бермайди; 3 *в знач. сущ.* **ничья́** *ж спорт.* дуранг; **игроки́ согласи́лись на ничью́** ўйинчилар дурангга рози бўлишди.

НИЧЕЙН/ЫЙ, -ая, -ое 1 *разг. то же, что* **ничей́**; **~ая земля́** эгасиз ерлар; 2 *спорт.* дуранг; **~ый счёт** ҳисоб дуранг бўлди.

НИЧКО́М *нареч.* юз тубан, мук (мукка) тушиб, ер тишлаб; **лежа́ть ~** мукка тушиб ётмоқ; **упа́сть ~** юз тубан йиқилмоқ.

НИЧТО́, ничего́, ничему́, ничем, ни о чём *мест. отриц.* 1 ҳеч нима, ҳеч нарса; ҳеч қандай иш (гап, нарса ва ҳ. к.); **его́ ~ не интересу́ет** уни ҳеч нима қизиқтирмайди; **де́ло ко́нчилось ничем** ишнинг оқибати ҳеч нима бўлмади; **2** *в знач. сущ. ~ с нескл.* ҳеч нима, ҳеч нарса, йўқ нарса; **превати́ться в ~** йўққа айланмоқ; пучга чиқмоқ; ✦ **сде́лать** *что-л.* **из ничего́** йўқдан бор қилмоқ, йўқни йўндирмоқ; йўқ ердан топмоқ; **ничего́ подо́бного** ҳечда, ҳеч (асло) ундай эмасда, бекор гап.

НИЧТО́ЖЕ: ~ сумня́ся (или **сумня́шеся**) *шутл.* сира шубҳаланмасдан, ҳеч шубҳа қилмай, иккиланмай, ўйлаб ўтирмай.

НИЧТО́ЖЕСТВО *с* 1 *см.* **ничто́жный**; 2 эътибори (салмоғи, нуфузи) йўқ одам, ҳақир, нотавон.

НИЧТО́ЖНОСТЬ *ж то же, что* **ничто́жество.**

НИЧТО́ЖН/ЫЙ, -ая, -ое; -жен, -жна 1 жуда кичкина, жуда кам (оз), озгина, жиндек, йўқ даражада; **~ый за́работок** жуда оз иш ҳақи; **~ая до́ля дохо́да** даромаднинг озгина қисми; **Войны́ не хо́чет никто́, кро́ме ~ого меньшинства́** (А. Н. Толстой) Жуда оз камчиликдан бошқа ҳеч ким урушни истамайди; 2 арзимаган, арзимас, аҳамиятсиз; ҳеч нарсага арзимайдиган; бўлмагур; жуда кичкина; **~ая причи́на** арзимас (арзимаган) сабаб; **~ая до́лжность** арзимас (жуда кичкина) амал; **~ая пье́ска** ҳеч нарсага арзимайдиган пьеса; 3 эътибори (салмоғи, нуфузи) йўқ, эътиборсиз, арзимаган, жуда кичкина, ҳақир; **~ый челове́к** жуда кичкина (эътиборсиз) одам, ҳақир одам.

НИЧУ́ТЬ *нареч.* сира, ҳеч, асло, ҳеч бир, заррача ҳам; **он ~ не похуде́л** у ҳеч (сира ҳам) озмаган; ✦ **~ не быва́ло** сира (бундай) бўлган эмас, ҳеч (асло) бундай эмас; ҳеч, асло.

НИ́ША *ж* 1 тахмон, токча; 2 *чего или какая* чуқур, ўйиқ, камгак; **~ окóпа** окоп чуқури; **~ две́ри** эшик ўрнатилган ўйиқ (жой).

НИЩА́ТЬ *несов.* қашшоқлашмоқ, камбағаллашмоқ, фақирлашмоқ, абгор бўлмоқ.

НИЩЕ́НКА *ж, р. мн.* **-нок** 1 гадой (тиланчи) хотин; 2 камбағал (қашшоқ) хотин.

НИЩЕ́НСК/ИЙ, -ая, -ое 1 гадойларга оид; хос; гадойларча, фақирона, қашшоқликдаги, қашшоқ...; **~ое существова́ние** қашшоқ(ликда) ҳаёт кечириш; қашшоқ(ликдаги) ҳаёт; 2 *перен.* жуда оз (кам), жуда паст, арзимаган; **~ая пла́та** жуда оз иш ҳақи; **3** *перен.* қашшоқ, камбағал; **карти́на ~ой приро́ды** қашшоқ табиат манзараси.

НИЩЕ́НСТВО *с* 1 гадойчилик, тиланчилик, гадойлик; **жить ~м** гадойлик билан (қилиб) кун кечирмоқ; 2 қашшоқлик, камбағаллик, фақирлик, оч-яланғочлик.

www.ziyouz.com kutubxonasi

НИЩЕНСТВОВАТЬ *несов.* 1 гадойлик (гадойчилик, тиланчилик) қилмоқ; садақа сўрамоқ; 2 жуда камбағал яшамоқ, қашшоқликда яшамоқ, фақирона кун кечирмоқ, оч-яланғоч бўлмоқ.

НИЩЕТ/А *ж* қашшоқлик, камбағаллик, фақирлик, йўқлик, оч-яланғочлик; **впасть в ~ý** қашшоқликка тушмоқ; 2 *перен. чего* или *какая* ожизлик, кучсизлик, нотовонлик; **духóвная ~á** маънавий ожизлик; 3 *собир.* қашшоқлар, гадо(й)лар, тиланчилар.

НИЩ/ИЙ, -ая, -ее 1 гадойчилик қилувчи, гадой, тиланчи; 2 қашшоқ, камбағал, фақир, бечора; 3 *в знач. сущ.* **~ий** *м; ~ая* *ж* гадой, тиланчи, садақачи; **подáть ~ему** гадойга садақа бермоқ; 4 *перен.* қашшоқ, камбағал; фақирона; **~ий край** қашшоқ ўлка; **~ий дýхом** маънавий қашшоқ.

НО I *союз противит.* аммо, лекин, бироқ; ...са ҳам; ...га қарамасдан, ҳам; **зáнят, но приду́** банд бўлсам ҳам (бандлигимга қарамай) келаман; бандман, аммо келаман; [**Чáцкий:**] **Домá нóвы, но предрассýдки стáры** (Грибоедов) [Чацкий:] Уйлар янги, аммо урф-одатлар эски; **не тóлько я, но и другúе** фақат менгина эмас, бошқалар ҳам; 2 *в знач. сущ.* **но** *с нескл.* аммоси, лекини; **в э́том де́ле есть одно́ но** бу ишнинг бир лекини бор.

ОБОЗНА́ЧИТЬ *сов.* (*несов.* **обознача́ть**) *что* 1 белгиламоқ, белгилаб қўймоқ; белги (нишон ва ҳ. к.) қўйиб кўрсатмоқ; **~ на схе́ме грани́цы уча́стка пункти́ром** схемада участка чегарасини нуқталар билан белгиламоқ; **~ звёздочкой** юлдузча қўйиб (юлдузча билан) белгиламоқ; **~ неизве́стное и́ксом** номаълум сонни икс билан белгиламоқ (кўрсатмоқ); **то́чно ~ расстоя́ние** масофани аниқ белгиламоқ; 2 кўрсатмоқ, аён қилмоқ, яққол (аниқ-равшан) кўринадиган қилмоқ; **свет фонаря́ обозна́чил тропи́нку** фонарь нури сўқмоқни ёритиб кўрсатди.

ОБОЗНА́ЧИ/ТЬСЯ, -ится *сов.* (*несов.* **обознача́ться**) 1 аниқ кўринмоқ, яққол кўрина бошламоқ, кўриниб қолмоқ, кўзга ташланмоқ, намоён (пайдо) бўлмоқ; **вдали́ ~лись высо́кие го́ры** узоқда баланд тоғлар намоён бўлди (кўрина бошлади); **Ре́зкие морщи́ны ~лись у неё на лбу** (Паустовский) Унинг пешанасида яққол ажинлар пайдо бўлди; 2 сезилмоқ, билинмоқ, сезилиб қолмоқ; **На второ́м ме́сяце рабо́т вдру́г ~лось замедле́ние в прохо́дке** (Игишев) Ишнинг иккинчи ойида қўққисдан проходканинг секинлашгани сезилиб қолди.

ОБО́ЗНИК *м* обозда ишловчи (қатнашувчи) аравакаш, карвон.

ОБО́ЗНЫ/Й, -ая, -ое 1 обозга оид, обоздаги; обоз...; **~е ло́шади** обоз отлари; 2 *в знач. сущ.* **~й** *м* обоз қатнашчиси, обозда хизмат қилувчи ҳарбий киши.

ОБОЗРЕВА́НИЕ *с по гл.* **обозрева́ть.**

ОБОЗРЕВА́ТЕЛЬ *м* шарҳловчи; кузатиб борувчи; **полити́ческий ~** сиёсий шарҳловчи; **спорти́вный ~** спорт шарҳловчиси.

ОБОЗРЕВА́ТЬ *несов. см.* **обозре́ть.**

ОБОЗРЕ́НИ/Е *с* 1 *по гл.* **обозре́ть; вы́ставить для всео́бщего ~я** ҳамма кўриши учун (кўз-кўз қилиб) қўймоқ; 2 обзор; **междунаро́дное ~е** халқаро обзор; **сде́лать ~е** обзор қилмоқ; 3 кундалик умумий мавзудаги бир неча хил номердан тузилган эстрада-театр томошаси.

ОБОЗРЕ́ТЬ, -зрю́, -зри́шь *сов.* (*несов.* **обозрева́ть**) *книжн.* 1 *кого-что* кўз ташламоқ, кўздан кечирмоқ, кўриб чиқмоқ; томоша қилмоқ; **~ прису́тствующих** ҳозирларни кўздан кечириб чиқмоқ; **~ окре́стности** атрофга кўз ташламоқ, атрофни кўздан кечирмоқ; **~ вы́ставку** выставкани кўриб чиқмоқ (томоша қилмоқ); 2 *что* кўриб чиқмоқ, текширмоқ, таҳлил қилмоқ; **~ фа́кты в статье́** мақолада фактларни таҳлил қилмоқ.

ОБОЗРИ́М/ЫЙ, -ая, -ое *книжн* кўзга кўринадиган, очиқ; **~ое простра́нство** кўзга кўринадиган атроф-теварак.

ОБО́И *мн.* обой, гулқоғоз; **синтети́ческие ~** синтетик гулқоғозлар; **окле́ить ко́мнату обо́ями** уй деворларига гулқоғоз ёпиштирмоқ.

ОБО́ЙКИ *мн., р.* **обо́ек** *с.-х.* хирмон чиқити, қолдиғи; **~льна** зиғир чиқити (тўпони); **~ зерна́** чори.

ОБО́ЙМ/А *ж* 1 обойма (отиш қуролларининг ўқ жойланадиган рамкаси); **заряди́ть ~у** обоймага ўқ жойламоқ; **вы́пустить всю ~у** обоймадаги ҳамма ўқни бир йўла отмоқ; 2 *тех.* обойма, ҳалқа; **~а подши́пника** подшипник обоймаси (ҳалқаси); 3 *перен.* бор запас, бойлик; **~а зна́ний** билим запаси.

ОБО́ЙНЫ/Й, -ая, -ое гулқоғозга (обойга) оид, гулқоғозбоп; гулқоғоз...; **~е материа́лы** гулқоғозбоп материаллар; **~е гво́зди** гулқоғоз қоқиладиган михлар; **~й цех** гулқоғоз цехи.

ОБОЙТИ́, -йду́, -йдёшь; обошёл, -шла́ *сов.* (*несов.* **обходи́ть**) 1 *что* и *без доп.* атрофида айланмоқ, айланиб чиқмоқ; айланиб кўриб чиқмоқ; **~ сад** боғни айланиб чиқмоқ; **Серге́й не спеша́ обошёл танк...** (Бабаевский) Сергей шошмасдан танк атрофидан (атрофини) айланиб чиқди...; 2 *кого-что* и *без доп.* ёнидан айланиб (чап бериб) ўтмоқ; айланиб ўтиб ўраб олмоқ (ёки йўлини кесмоқ); **~ медве́дя** айиқни атрофидан айланиб ўтиб ўраб олмоқ; **~ проти́вника с фла́нга** душманни ён томонидан айланиб ўтмоқ; **~ вратаря́** дарвозабонни алдаб ўтмоқ; 3 *кого-что* атрофидан айланиб ўтмоқ, четлаб ўтмоқ; **~ лу́жу** кўлобни айланиб ўтмоқ; **~ стороно́й** четлаб ўтмоқ; 4 *перен. кого-что* тег-

www.ziyouz.com kutubxonasi

масдан (зарар келтирмасдан) ўтмоқ, четлаб (четда қолдириб) ўтмоқ, омон қолдирмоқ; **пожа́р обошёл наш дом** ёнғин уйимизга тегмасдан (четлаб) ўтиб **кетди** (ёнғиндан уйимиз омон қолди); 5 *перен. что* тегмай (индамасдан, гапирмасдан, оғизга олмасдан) ўтмоқ, ташлаб кетмоқ, оғиз очмаслик; ~ **подро́бности** тафсилотларни ташлаб ўтмоқ; **почему́ вы обошли́ э́тот вопро́с?** нега бу масала ҳақида индамадингиз?; нима учун бу масала ҳақида оғиз очмадингиз?; 6 *перен. что* четлаб ўтмоқ, риоя (амал) қилмаслик; ~ **зако́н** қонунни четлаб ўтмоқ; қонунга амал қилмаслик; 7 *перен. кого чем* қатордан қолдирмоқ, четлаб ўтмоқ (бирор нарса, масалан, унвон, мукофот ва ҳ. к. беришда); ~ **награ́дой** мукофотдан четда қолдирмоқ; ~ **повыше́нием по слу́жбе** хизмат даражасини оширишда четлаб ўтмоқ; 8 *кого-что* ҳамма жойда бўлмоқ; ҳамма ёқни айланиб, кезиб чиқмоқ; ~ **строй почётного карау́ла** фахрий қоровул сафи олдидан ўтмоқ; ~ **всех сосе́дей** ҳамма қўшниларникини айланиб чиқмоқ; ~ **весь свет** бутун дунёни (жаҳонни) кезиб чиқмоқ; 9 *что* ёйилмоқ, тарқалмоқ; **слух обошёл весь го́род** овоза (гап, миш-миш) бутун шаҳарга тарқалди; 10 *перен. кого-что* ўзиб (ўтиб) кетмоқ, орқада қолдирмоқ; **ворона́ обошёл всех на фи́нише** финишда қора от ҳамма отлардан ўзиб кетди; ~ **това́рищей в учёбе** ўқишда ўртоқлардан ўтиб кетмоқ; 11 *перен. кого разг.* алдамоқ, фириб бермоқ; **не хитри́, не обойдёшь!** муғомбирлик қилма, (барибир) алдай олмайсан!; ✦ ~ **с ша́пкой** *уст.* этак (бўрк) тутиб пул йиғмоқ.

ОБОЙТИ́СЬ, -йду́сь, -йдёшься; обошёлся, -шла́сь *сов.* (*несов.* **обходи́ться**) 1 бирор тарзда муомала қилмоқ, муносабатда бўлмоқ; ~ **справедли́во** одилона муомала қилмоқ; ~ **гру́бо** қўпол муомалада бўлмоқ, қўполлик қилмоқ; с **ни́м нехорошо́ обошли́сь** унга яхши муомала қилмадилар; унга кўрсатилган муносабат яхши бўлмади; 2 *разг.* тушмоқ (сотиб олинган нарса, қилинган иш ва ҳ. к. ҳақида); **во что вам обошёлся ремо́нт?** ремонт сизга неча пулга (қанчага) тушди?; **пое́здка обошла́сь мне в две́сти рубле́й** сафар (бориб-келиш) менга икки юз сўмга тушди; 3 *чем, без кого-чего* и *без доп. разг.* эпламоқ, эплаштирмоқ, амалламоқ, эпини (иложини) қилмоқ, амал-тақал қилмоқ, қаноатланмоқ, кифояланмоқ, чекланмоқ; ~ **име́ющимися запа́сами** бор запаслар билан амал-тақал қилмоқ, бор запаслар билан қаноатланмоқ, борига қаноат қилмоқ; **он обошёлся без посторо́ннэй по́мощи** у бошқаларнинг ёрдамисиз (бир ўзи) ҳамма ишни бажарди (уддалади); **в э́том де́ле без сове́та не** ~ бу ишни маслаҳатсиз бажариб (қилиб) бўлмайди; **мо́жно ~и холо́дным** совуқ овқат ҳам бўлаверади; 4 *разг.* яхши ўтмоқ, тинчлик билан ўтмоқ; **всё обошло́сь благополу́чно** ҳамма иш яхши ўтди, охири бахайр бўлди; **де́ло обошло́сь** иш битди, тинчиб кетди; 5 *прост.* ўрганмоқ, кўникмоқ, ўрганиб (кўникиб) қолмоқ.

ОБО́ЙЩИК *м* мебель қопловчи уста.

ОБОК *разг.* 1 *нареч.* ёнма-ён; **идти́** ~ *с кем-л.* ёнма-ён бормоқ, юрмоқ; **сесть** ~ ёнма-ён ўтирмоқ; 2 *предлог с р.* ёнида, бўйида; ~ **шоссе́** шоссе бўйида.

ОБОКРА/СТЬ, обкраду́, обкрадёшь *сов.* (*несов.* **обкра́дывать**) *кого-что* ўғирламоқ, ўғирлаб кетмоқ, ўғри урмоқ; ~**ли пассажи́ра** пассажирнинг нарсаларини ўғирлаб кетишибди; **Приде́лали второ́й замо́к к две́ри, чтобы не** ~**ли кварти́ру во́ры** (Гайдар) Квартирани ўғри урмаслиги учун эшикка иккинчи қулф ўрнатдик (ўрнатишди).

ОБОЛВА́НИВАТЬ *несов. см.* **оболва́нить.**

ОБОЛВА́НИВАТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **оболва́ниться;** 2 *страд. от* **оболва́нивать.**

ОБОЛВА/НИТЬ *сов.* (*несов.* **оболва́нивать**) 1 *что обл.* и *спец.* хомаки чопиб (йўниб) ишловга тайёрламоқ; 2 *кого-что прост.* ялтирбош қилмоқ (ёки сочни қисқа қилиб олмоқ); 3 *кого прост.* аҳмоқ қилмоқ, алдамоқ, лақиллатмоқ.

ОБОЛВА́НИТЬСЯ *сов.* (*несов.* **оболва́ниваться**) *прост.* сочини топ-тоза (ёки қисқа) қилиб олдирмоқ.

ОБОЛГА́ТЬ, -лгу́, -лжёшь *сов. кого* ёлғон гапириб бировни қораламоқ, ёмонламоқ, бадном қилмоқ; бировга бўҳтон (туҳмат) қилмоқ; **он не мо́жет** ~ **челове́ка** у бировга туҳмат қила олмайди.

ОБОЛО́ЧК/А *ж, р. мн.* **-чек** 1 пўст, пўстлоқ, пўчоқ; тўпон; ~**а зерна́** дон пўсти; донниг тўпони; 2 *перен.* сиртқи кўриниш, ниқоб; **Мне каза́лось, что под э́той гру́бой** ~**ой бьётся недурно́е се́рдце** (Короленко) Сиртдан қўполдек туюлган бу одам менга оққўнгил (софдил) кўринар эди; 3 *анат.* парда, қобиқ; **ра́дужная** ~**а** кўзнинг рангдор пардаси (унинг рангига қараб қора кўз, кўк кўз ёки қўйқўз дейдилар); **рогова́я** ~**а** кўзнинг мугуз пардаси; **сли́зистая** ~**а** шиллиқ парда; **мозговы́е** ~**и** мия пардаси; 4 *тех.* қобиқ; ~**а аэроста́та** аэростат қобиғи; **газонепроница́емая** ~**а** газ ўтмайдиган қобиқ; **ка́бельная** ~**а** кабель қобиғи; **свинцо́вая** ~**а** қўрғошин қобиқ.

ОБО́ЛТУС *м прост. бран.* галварс, аҳмоқ; такасалтанг.

ОБОЛЬСТИТЕ́ЛЬ *м уст.* 1 йўлдан оздирувчи (йўлдан урувчи, васвасага солувчи) нарса, одам, авроқчи; 2 аёлларни йўлдан урувчи киши.

ОБОЛЬСТИТЕ́ЛЬНИЦА *ж* 1 *см.* **обольсти́тель** 1; 2 эркакларни йўлдан урувчи аёл.

ОБОЛЬСТИТЕ́ЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое; -лен, -льна юракдан урадиган, мафтун этадиган, жозибали, жуда гўзал, чиройли, фусункор, мафтункор; ~**ый взгля́д** жозибали қараш, мафтункор нигоҳ; ~**ая вне́шность** кишини мафтун қиладиган кўриниш.

ОБОЛЬСТИ́ТЬ, -льщу́, -льсти́шь *сов.* (*несов.* **обольща́ть**) *кого* 1 йўлдан оздирмоқ, йўлдан урмоқ, аврамоқ, васваса қилмоқ, қизиқтириб йўлдан уриб кетмоқ; ~ **обеща́ниями** ваъдалар билан йўлдан уриб кетмоқ; 2 алдамоқ, йўлдан урмоқ (аёлларни).

ОБОЛЬСТИ́ТЬСЯ, -льщу́сь, -льсти́шься *сов.* (*несов.* **обольща́ться**) йўлдан озмоқ, алданмоқ, учмоқ; ~ **пе́рвыми успе́хами** биринчи муваффақиятлар билан алданмоқ.

ОБОЛЬЩА́ТЬ *несов. см.* **обольсти́ть.**

ОБОЛЩА́ТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **обольсти́ться;** 2 *страд. от* **обольща́ть.**

ОБОЛЬЩЕ́НИ/Е *с* 1 йўлдан оздириш, уриш, авраш, алдаш; йўлдан озиш, алданиш; учиш; 2 йўлдан оздирувчи (васваса қилувчи) нарса, васваса, афсун; **не поддава́ться** ~**ям** васвасаларга берилмаслик (учмаслик).

ОБОМЛЕВА́ТЬ *несов. см.* **обомле́ть.**

ОБОМЛЕ́/ТЬ *сов.* (*несов.* **обомлева́ть**) 1 *уст.* и *обл.* эсини (ҳушини) йўқотмоқ, ҳушдан кетмоқ, бўшашмоқ; 2 *разг.* ҳуши бошидан учмоқ, анграйиб қолмоқ, серрайиб (донг қотиб, маҳлиё бўлиб) қолмоқ; ~**ть от изумле́ния** ҳайратдан донг қотиб қолмоқ; 3 *прост.* увушмоқ, увушиб қолмоқ; **рука́** ~**ла** қўлим увушиб қолибди.

ОБОМШЕ́ЛЫЙ, -ая, -ое йўсин (пўпанак) босиб кетган, моғорлаб кетган; ~ **пень** йўсин босган тўнгак.

ОБОМШЕ́/ТЬ, -е́ет *сов.* йўсин (пўпанак) босиб кетмоқ, моғорлаб кетмоқ; **сте́ны** ~**ли от сы́рости** захлигидан деворларни йўсин босиб кетибди.

ОБОЯ́НИЕ *с* ҳид билиш (исни сезиш) қобилияти; **то́нкое** ~ ҳар қандай ҳидни сезиш ва ажрата олиш қобилияти; ўта ҳид сезувчанлик; **потеря́ть** ~ ҳид сезиш қобилиятини йўқотмоқ, ҳидни билмайдиган (сезмайдиган) бўлиб қолмоқ.

ОБОНЯТЕЛЬНЫЙ, -ая, -ое ҳид сезишга, исни билишга оид, ҳид сезувчи; ҳид сезиш...; ~ **нерв** ҳид сезиш нерви, ҳид сезувчи нерв.

ОБОНЯ́ТЬ *несов. что* ҳидламоқ, искамоқ; ҳидни (исни) сезмоқ.

ОБОРА́ЧИВАЕМОСТЬ *ж* 1 *эк.* оборотда бўлиш, қанчалик тез айланиш, айланиб туриш; ~ **капита́ла** капиталнинг (маблағнинг) айланиб туриши; **уско́рить** ~ **средств** маблағларнинг айланишини тезлаштирмоқ; 2 қанчалик тез бориб-келиш, бориб-келиб туриш; ~ **ваго́нов** вагонларнинг қанчалик тез бориб-келиши.

ОБОРА́ЧИВАТЬ *несов. см.* **оборо́тить** и **оберну́ть** 3—6.

ОБОРА́ЧИВАТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **оборо́титься** и **оберну́ться;** 2 *страд. от* **обора́чивать.**

ОБОРВАНЕ́Ц *м, р.* **-нца** *разг.* 1 жулдур (йиртиқ-сиртиқ) кийимли киши, жулдурвоқи, ялангоёқ; 2 *уст. разг.* қаланғи-қасанғи, саёқ.

ОБОРВА́НКА *ж, р. мн.* **-нок** *разг. см.* **оборва́нец.**

www.ziyouz.com kutubxonasi

ОБОРВАНН/ЫЙ, -ая, -ое 1 *прич. от* **оборва́ть**; 2 *в знач. прил.* йиртиқ, йиртиқ-сиртиқ, жулдур, йиртилиб кетган, увадаси чиққан; **~ый плащ** йиртилиб кетган плашч; 3 *в знач. прил.* уст-бошн йиртилиб кетган, жулдур кийимли; 4 *в знач. прил.* битмай қолган, тугалланмаган, чала; **~ая мысль** тугалланмаган (чала) фикр, бўлиниб қолган ўй-фикр.

ОБОРВА́ТЬ *сов. (несов.* **обрыва́ть** I) 1 *что* узмоқ, юлмоқ, узиб (юлиб) олмоқ (ташламоқ); **~ па́сынки** бачкиларни юлиб ташламоқ; 2 *что* тортиб (силтаб) узмоқ, йиртмоқ, узиб ташламоқ, йиртиб юбормоқ; **~ верёвку** арқонни (тортиб) узиб юбормоқ; 3 *перен. что* тўхтатмоқ, бўлмоқ, кесмоқ; тўхтатиб (бўлиб, кесиб) қўймоқ; **~ спор** жанжални тўхтатмоқ; **~ разгово́р на полусло́ве** гапни оғиз очар-очмас бўлиб қўймоқ; **~ чте́ние** ўқишни бўлмоқ (тўхтатмоқ); 4 *перен. кого разг.* оғзига урмоқ, гапини шартта бўлиб қўймоқ, гапини оғзидан олмоқ; гапдан тўхтатмоқ, гапиртирмай қўймоқ; **~ спо́рщиков** жанжалкашларни шартта тўхтатмоқ (гапиртирмай қўймоқ); ✦ **у́ши ~** *кому прост.* қулоғидан чўзмоқ, қулоғини чўзиб қўймоқ.

ОБОРВА́/ТЬСЯ *сов. (несов.* **обрыва́ться**) 1 узилмоқ, йиртилмоқ, узилиб (йиртилиб) кетмоқ; **ни́тка ~ла́сь** ип узилиб кетди; 2 учиб кетмоқ, учиб тушмоқ, йиқилмоқ, қуламоқ; **~ться со ска́лы** қоядан йиқилиб тушмоқ (учиб кетмоқ); 3 *перен.* бирдан тўхтаб (узилиб) қолмоқ, босилмоқ, бўлинмоқ; **разгово́р ~лся** гап бўлинди, гап тўхтаб қолди; **шум ~лся внеза́пно** шовқин-сурон бирдан босилиб қолди (тинчиди); 4 *разг.* кийимлари йиртилиб кетмоқ, уст-бошн хароб бўлмоқ; кийимдан чиқмоқ; ✦ **се́рдце ~ло́сь; в се́рдце** (или **в груди́**) **~ло́сь** *у кого* юраги шув этиб кетди, юраги орқага тортиб кетди; юраги ёрилгудек бўлди.

ОБОРВЫШ *м разг.* жулдур кийинган (жулдур кийимли) бола, жулдурвоқи.

ОБО́РК/А *ж, р. мн.* **-рок** оборка; бурма; **пла́тье с ~ой** оборкали кўйлак.

ОБОРМОТ *м прост. бран.* ярамас, нокас, аблаҳ.

ОБОРМО́ТКА *ж, р. мн.* **-ток** *см.* **оборма́т.**

ОБОРО́Н/А *ж* 1 *по гл.* **оборона́ть** и **оборона́ться**; **~а го́рода** шаҳар мудофааси; шаҳарни мудофаа қилиш; **уйти́ в ~у** *спорт.* ўзини ёки ўз дарвозасини ҳимоя қилишга ўтмоқ; 2 мудофаа воситалари; **крепи́ть ~у страны́** мамлакатнинг мудофаа кучини мустаҳкамламоқ; 3 мудофаа системаси (мудофаа истеҳкомлари, иншоотлари); **противота́нковая ~а** танкларга қарши мудофаа иншоотлари; **кругова́я ~а** доиравий (ҳар томондан сақловчи) мудофаа системаси; **прорва́ть вра́жескую ~у** душман мудофаасини (истеҳкомларини) ёриб ўтмоқ; **граждáнская ~а** граждан(лар) мудофааси.

ОБОРОНЕЦ *м, р.* **-нца** *ист.* мудофаачилик тарафдори; *см.* **оборо́нчество.**

ОБОРОНИ́ТЕЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое мудофаага оид, мудофаага қаратилган; мудофаа учун хизмат қиладиган; мудофаа...; **~ые бои́** мудофаа жанглари; **~ая та́ктика** мудофаа тактикаси; **~ые сооруже́ния** мудофаа иншоотлари.

ОБОРОНИ́/ТЬ *сов. см.* **оборона́ть**; ✦ **~ бог (бо́же, го́споди** и т. п.) *разг. уст.* худо сақласин.

ОБОРОНИ́ТЬСЯ *сов. см.* **оборона́ться.**

ОБОРО́НН/ЫЙ, -ая, -ое мудофаага оид, мудофаа учун хизмат қиладиган; мудофаа...; **~ая мощь страны́** мамлакатнинг мудофаа қудрати; **~ая промы́шленность** мудофаа саноати, мудофаа қуроллари ишлаб чиқарувчи саноат; **~ое предприя́тие** мудофаа корхонаси.

ОБОРОНОСПОСО́БНОСТЬ *ж* мудофаа қобилияти; **крепи́ть ~ страны́** мамлакатнинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамламоқ.

ОБОРОНОСПОСО́БН/ЫЙ, -ая, -ое; -бен, -бна мудофаага қобил, мудофаага тайёр, қодир; ўзини-ўзи мудофаа қила оладиган; **~ое госуда́рство** ўзини мудофаа қилишга қодир давлат.

ОБОРОНЧЕСК/ИЙ, -ая, -ое *ист.* мудофаачиликка оид, мудофаачилик сиёсатига асосланган; мудофаачилик...; **~ая пози́ция меньшевико́в** меньшевикларнинг мудофаачилик позицияси; *см.* **оборо́нчество.**

ОБОРОНЧЕСТВО *с ист.* мудофаачилик (II Интернационал партияларининг Биринчи жаҳон уруши даврида «ватанни ҳимоя қилиш» ниқоби остида ўз мамлакати буржуазиясини ва унинг давлатини ҳимоя қилишга қаратилган оппортунистик сиёсати).

ОБОРОНЯ́ТЬ *несов.* (*сов.* **оборони́ть**) *кого-что* мудофаа қилмоқ, ҳимоя қилмоқ, қўриқламоқ; **~ своё оте́чество** ўз ватанини ҳимоя қилмоқ.

ОБОРОНЯ́ТЬСЯ *несов.* (*сов.* **оборони́ться**) 1 ўз-ўзини мудофаа (ҳимоя) қилмоқ; **~ от та́нков** танкдан ўзини ҳимоя қилмоқ; 2 *страд. от* **обороня́ть.**

ОБОРО́Т *м* 1 айланиш; **~ колеса́** ғилдиракнинг айланиши; **~ Земли́ вокру́г Со́лнца** Ернинг Қуёш атрофида айланиши; **де́лать сто ~ов в мину́ту** бир минутда юз марта айланмоқ; 2 оборот, айланиш (даврий ҳодисаларнинг, процессларнинг ҳар бир давраси); **~ капита́ла** *эк.* капитал обороти (пулнинг товарга ва қайта пулга айланиш даври); **~ полевы́х культу́р** экинларни экишдан то йиғиб-териб олгунча ўтадиган вақт; 3 ишлатилиш, қўлланиш; **пусти́ть в ~ но́вое сло́во** янги сўзни ишлата бошламоқ; 4 юриш, муомалада бўлиш, айланиш; **пусти́ть де́ньги в ~** пулни муомалага киритмоқ, пулни ишлата (айлантира) бошламоқ; 5 бориб-келиш (қайтиш), қатнаш; **ускори́ть ~ ваго́нов** вагонларнинг бориб-келишини тезлатмоқ; 6 бурилиш, буриладиган жой; **здесь доро́га де́лает круто́й ~** бу ерда йўл кескин бурилиб кетади; 7 ўзгариш, бошқача тус олиш, бошқача аҳвол; **собы́тия при́няли неожи́данный ~** воқеалар кутилмаганда бошқача тус олди; 8 орқаси, тескари томони, тескариси; **~ моне́ты** танганинг орқа томони; **смотри́те на ~е!** орқасига қаранг (қаралсин)!; 9 оборот, ибора, гап тузилиши; **~ ре́чи** нутқ обороти; **газе́тный ~** газетага хос ибора, гап тузилиши; **деепричáстный ~** равишдош оборот; ✦ **брать (взять) в ~** исканжага (қийин-қистоққа) олмоқ, қисталанг қилмоқ; **на по́лные ~ы** *разг.* бор куч-имкониятларни ишга солиб, мумкин қадар тез.

ОБОРО́ТЕНЬ *м, р.* **-тня** *фольк.* афсун билан бошқа тусга кирган ёки кира оладиган одам.

ОБОРО́ТИСТЫЙ, -ая, -ое *разг. то же, что* **оборо́тливый.**

ОБОРОТИ́ТЬ, -очу́, -о́тишь *сов.* (*несов.* **обора́чивать**) 1 *что уст.* и *разг.* бурмоқ, ўгирмоқ, қаратмоқ; **~ лицо́ к собесе́днику** юзини суҳбатдошига ўгирмоқ (бурмоқ), суҳбатдошига ўгирилмоқ; 2 *в кого-что* или *кем-чем фольк.* сеҳрлаб бошқа нарсага айлантириб (бошқа нарса қилиб) қўймоқ; **~ царе́вну в лягу́шку (лягу́шкой)** маликани қурбақага айлантирмоқ.

ОБОРОТИ́ТЬСЯ, -очу́сь, -о́тишься *сов.* (*несов.* **обора́чиваться**) 1 *уст.* юзини ўгирмоқ (қаратмоқ); қарамоқ, ўгирилмоқ; **Чем ку́мушек счита́ть труди́ться, не лу́чше ль на себя́, кума́,** ~ (Крылов) Аввал ўз айбингни бил, кейин бошқадан кул; 2 *в кого-что* или *кем-чем фольк.* бошқа нарсага айланиб қолмоқ, бошқа нарса бўлиб қолмоқ; **~ в ка́мень** тошга айланиб қолмоқ.

ОБОРОТЛИВЫЙ, -ая, -ое *разг.* ишнинг кўзини биладиган, эпчил, уддабурон, уста.

ОБОРОТН/ЫЙ, -ая, -ое 1 *фин.* муомалада (оборотда) бўлган, ишлатилиб (айлантирилиб) турилаётган; оборот...; **~ый капита́л** оборот капитал; **~ые сре́дства** оборотдаги маблағлар; **~ый фонд** оборот фонди, дастмоя; 2 орқасидаги, орқа томонидаги, орқа; **~ая сторона́ мате́рии** матонинг орқа томони (тескариси); **дописа́ть на ~ой стороне́ листа́** қолганини варақнинг орқа томонига ёзмоқ (ёзиб тамомламоқ); ✦ **~ая сторона́** бирор ишнинг (ҳодисанинг) бошқа (ёки салбий) томони.

ОБО́РОЧКА *ж, р. мн.* **-чек** *уменьш. от* **обо́рка; пла́тье в ~х** кичкина (майда) оборкалар билан безатилган кўйлак.

ОБОРУ́ДОВАНИЕ *с* 1 *по гл.* **обору́довать**; **~ по́рта но́выми устано́вками** портни янги ускуналар билан жиҳозлаш; 2 асбоб-ускуна, жиҳоз; **автомати́ческое ~** автоматик асбоб-ускуна; **вентиляцио́нное ~** вентиляция жиҳозлари; **промы́шленное ~** саноат асбоб-ускуналари; **электри́ческое ~** электр асбоб ускунаси; **но́вое ~** янги асбоб-ускуна.

ОБОРУ́ДОВА/ТЬ *сов.* и *несов. что* ускуналамоқ, асбоб-ускуна билан таъминламоқ, жиҳозламоқ; **~ мастерску́ю**

www.ziyouz.com kutubxonasi

мастерскойни ускуналамоқ (жиҳозламоқ); ~ **спортплоща́дку** спорт майдончасини жиҳозламоқ.

ОБОСА́БЛИВАТЬ *несов. см.* **обосо́бить.**

ОБОСА́БЛИВАТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **обосо́биться;** 2 *страд. от* **обоса́бливать.**

ОБОСНОВА́НИ/Е *с* 1 *по гл.* **обоснова́ть;** ~**е свои́х тре́бований** ўз талабларини асослаш; 2 асос, далил; **на́учное** ~**е прое́кта** лойиҳанинг илмий асоси; **привести́ серьёзные** ~**я** жиддий далиллар келтирмоқ.

ОБОСНО́ВАННОСТЬ *ж* асослилик, асосланганлик; асослар (далиллар) билан тасдиқланганлик, исботланганлик; ~ **тео́рии** назариянинг асослилиги; ~ **обвине́ния** айбнинг асосланганлиги.

ОБОСНО́ВАНН/ЫЙ, -ая, -ое асосли, асосланган; асослар (далиллар) билан тасдиқланган, исботланган; ~ **ый вы́вод** асосли хулоса; **вполне́** ~**ое заключе́ние** тўла асосланган хулоса.

ОБОСНО́ВАТЬ, -ную́, -нуёшь *сов.* (*несов.* **обосно́вывать**) *что чем* асосламоқ, далилламоқ, асослаб бермоқ; асослар (далиллар) билан тасдиқламоқ, исботламоқ; ~ **реше́ние** қарорни асосламоқ; ~ **своё предложе́ние теорети́ческими вы́кладками** ўз таклифини назарий далиллар билан асосламоқ.

ОБОСНО́ВАТЬСЯ, -ную́сь, -нуёшься *сов.* (*несов.* **обосно́вываться**) *разг.* жойлашмоқ, ўрнашмоқ; жойлашиб (ўрнашиб) олмоқ, жойланмоқ; ~ **в го́роде** шаҳарга (шаҳарда) жойлашиб олмоқ.

ОБОСНО́ВЫВАТЬ *несов. см.* **обоснова́ть.**

ОБОСНО́ВЫВАТЬСЯ I *несов. см.* **обоснова́ться.**

ОБОСНО́ВЫВАТЬСЯ II *несов. страд. от* **обосно́вывать.**

ОБОСО́БИТЬ, -блю, -бишь *сов.* (*несов.* **обоса́бливать** и **обособля́ть**) 1 *кого-что* ажратмоқ, айирмоқ, бошқалардан айириб (бўлак, алоҳида қилиб) қўймоқ; ~ **уча́сток фе́рмы** ферма участкасини ажратиб қўймоқ, бошқа участкалардан ўраб олмоқ; ~ **себя́ от други́х** ўзини бошқалардан ажратмоқ, бошқалардан ажралмоқ; 2 *что грам.* ажратмоқ, айирмоқ; ~ **определе́ние** аниқловчини ажратмоқ.

ОБОСО́БИТЬСЯ, -блюсь, -бишься *сов.* (*несов.* **обоса́бливаться** и **обособля́ться**) 1 бошқалардан ажралиб қолмоқ (чиқмоқ), ажралиб турмоқ; алоҳида кўзга ташланмоқ; 2 бошқалар билан алоқани узмоқ, ўз қобиғига ўралиб олмоқ; 3 *грам.* ажратилмоқ.

ОБОСО́БЛЕНИЕ *с* 1 ажратиш, ажратиб қўйиш, яккалаш; ажралиш, ажралиб чиқиш; ~ **не́которых райо́нов** баъзи районларни ажратиб (алоҳида қилиб) қўйиш; баъзи районларнинг ажралиб қолиши, чиқиши; 2 *грам.* ажратиш; ~ **второстепе́нных чле́нов предложе́ния** гапнинг иккинчи даражали бўлакларини ажратиш.

ОБОСО́БЛЕННО *нареч.* айрим, якка, алоҳида, холис; **держа́ться** ~ ўзини бошқалардан четда (алоҳида) тутмоқ; холис турмоқ.

ОБОСО́БЛЕННОСТЬ *ж* алоҳидалик, холислик, айримлик, яккалик, ажралганлик; **ка́стовая** ~ табақаларга ажралиш; табақаларга ажралганлик.

ОБОСО́БЛЕНН/ЫЙ, -ая, -ое 1 *прич. от* **обосо́бить;** 2 *в знач. прил.* бошқалардан ажралиб турадиган, холис, алоҳида, ёлғиз, танҳо, якка; ~**ое зда́ние** алоҳида (якка) бино; **занима́ть** ~**ое положе́ние** алоҳида (бошқалардан фарқли) ўрин тутмоқ; 3 *в знач. прил.* бошқаларга аралашмайдиган, ўз бошига алоҳида яшайдиган; **вести́** ~**ый о́браз жи́зни** бошқалардан ажралган ҳолда ҳаёт кечирмоқ, одамларга аралашмасдан яшамоқ; 4 *в знач. прил. грам.* ажратилган; ~**ое определе́ние** ажратилган аниқловчи.

ОБОСОБЛЯ́ТЬ *несов. см.* **обосо́бить.**

ОБОСОБЛЯ́ТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **обосо́биться;** 2 *страд. от* **обособля́ть.**

ОБОСТРЕ́НИЕ *с по гл.* **обостри́ть** и **обостри́ться;** ~ **спо́ра** тортишувнинг (жанжалнинг) кучайиши; тортишувни (жанжални) кучайтириш; ~ **боле́зни** касалнинг зўрайиши; ~ **кла́ссовых противоре́чий** синфий қарама-қаршиликларнинг кескинлашуви; ~ **зре́ния** кўриш қобилиятининг кучайиши (ўткирлашуви); ~ **слу́ха** эшитиш қобилиятининг яхшиланиши.

ОБОСТРЁНН/ЫЙ, -ая, -ое 1 *прич. от* **обостри́ть;** 2 *в знач. прил.* ўткир, туртиб чиққан; сўппайган; ~**ые ску́лы** туртиб чиққан ёноқлар; 3 *в знач. прил.* ўткир, кучли, сезгир,. ортиқ, юқори; ниҳоят даражадаги, ўтакетган; ~**ый слух** ўткир эшитиш қобилияти; ~**ое самолю́бие** ўтакетган худбинлик, ниҳоятда кўнгли нозиклик, нафсонияти кучлилик; ~**ая подозри́тельность** ҳар нарсадан (ҳар кимдан) шубҳаланавериш; 4 *в знач. прил.* кескинлашган, жиддий тус олган, кескин, жиддий; ~**ые отноше́ния** кескинлашиб кетган (жиддийлашган) муносабатлар; ~**ое междунаро́дное положе́ние** кескин тус олган халқаро аҳвол.

ОБОСТРИ́ТЬ *сов.* (*несов.* **обостря́ть**) *что* 1 ўткирлаштирмоқ, кучайтирмоқ, улғайтирмоқ; яхшиламоқ; ~ **зре́ние** кўзни ўткир қилмоқ, кўриш қобилиятини яхшиламоқ; ~ **боль** оғриқни кучайтирмоқ; ~ **боле́знь** касални улғайтирмоқ; **опа́сность обостри́ла её слух** хавф-хатар унинг қулоғини динг қилиб юборди; 2 кескинлаштирмоқ, кучайтирмоқ, оширмоқ, авж олдирмоқ; ~ **отноше́ния** муносабатларни кескинлаштирмоқ; ~ **разногла́сия** келишмовчилик (ихтилоф)ларни кучайтирмоқ; ~ **не́нависть** нафратни оширмоқ.

ОБОСТРИ/ТЬСЯ, -и́тся *сов.* (*несов.* **обостря́ться**) 1 ўткирлашмоқ, туртиб чиқмоқ, сўппаймоқ (юз тузилиши ҳақида); **его́ лицо́** ~**лось** унинг юз суяклари (ёноқлари) туртиб чиқди, унинг юзи сўппайиб қолди; 2 кучаймоқ, зўраймоқ; **головна́я боль** ~**лась** бош оғриғи зўрайди; **сомне́ния** ~**лись** шубҳа кучайди; 3 кескинлашмоқ, оғирлашмоқ, кучаймоқ, зўраймоқ, кескин тус олмоқ; **положе́ние на фро́нте** ~**лось** фронтдаги аҳвол кескин тус олди; **противоре́чия ме́жду ни́ми** ~**лись** улар орасидаги зиддият кучайиб кетди; **поле́мика** ~**лась** мунозара (баҳс) кучайиб кетди; **кри́зис** ~**лся** кризис кескинлашди (кучайди).

ОБОСТРЯ́ТЬ *несов. см.* **обостри́ть.**

ОБОСТРЯ́ТЬСЯ, -я́ется *несов.* 1 *см.* **обостри́ться;** 2 *страд. от* **обостри́ть.**

ОБО́ЧИН/А *ж* 1 чет, қирғоқ; чекка, ёқа; ~**а доро́ги** йўл чети, йўл ёқаси; 2 чет, чекка, атроф; **дом стои́т на** ~**е посёлка** уй қишлоқнинг чеккасида (жойлашган).

ОБОЮ́ДНОСТЬ *ж* икки томонламалилик, икки ўртада бўлиш; ~ **соглаше́ния** битимнинг икки томонламалилиги.

ОБОЮ́ДН/ЫЙ, -ая, -ое; -ден, -дна 1 икки томонлама, икки ўртада бўлган (бўладиган), ҳар икки томонга тегишли; ~**ая вы́года** ҳар икки томон учун баравар фойда; **с** ~**ого согла́сия, по** ~**ому согла́сию** икки томоннинг розилиги (ўзаро келишуви) билан; 2 *уст.* икки томонлама, икки томони ҳам ишлайдиган; дудама; ~**ый меч** икки томонлама қилич, дудама қилич.

ОБОЮДОВЫГО́ДНЫЙ, -ая, -ое ҳар икки томон учун фойдали.

ОБОЮДООСТР/ЫЙ, -ая, -ое 1 икки томони ўткир, икки тиғли, дудама; ~**ый кинжа́л** икки тиғли (икки дамли) ханжар, дудама; 2 *перен.* ҳам зарар, ҳам фойда (ҳам ёмон, ҳам яхши) томони бўлган; икки ёққа баравар фойдали ёки зарарли; ~**ое реше́ние** икки томон учун ҳам муҳим (фойдали ёки зарарли қарор).

ОБОЮДОСТО́РОННИЙ, -яя, -ее иккала томонга алоқаси бўлган, икки томонлама, икки ўртадаги; ~ **догово́р** икки томонлама (икки томон ўртасидаги) шартнома.

ОБРАБА́ТЫВАТЬ *несов. см.* **обрабо́тать.**

ОБРАБА́ТЫВАТЬСЯ, -ается *несов.* 1 *см.* **обрабо́таться;** 2 *страд. от* **обраба́тывать.**

ОБРАБА́ТЫВАЮЩ/ИЙ, -ая, -ее ишлов берадиган, ишлайдиган, ишлаб чиқарадиган; ~**ая промы́шленность** ишлаб чиқарадиган саноат.

ОБРАБО́ТАТЬ *сов.* (*несов.* **обраба́тывать**) 1 *что* ишламоқ, ишлов бермоқ, тайёрламоқ; ~ **шерсть** жунга ишлов бермоқ; ~**па́ром** буғ билан ишлов бермоқ; буғламоқ; ~ **на тока́рном станке́** токарлик станогида ишлов бермоқ; ~ **зе́млю** ерга ишлов бермоқ; ~ **посевно́й материа́л** уруққа ишлов бермоқ, уруғликни экишга тайёрламоқ; ~ **ра́ну** яранн ювиб тозаламоқ, боғлашга тайёрламоқ; 2 *что* ишлаб битирмоқ, яхшиламоқ, силлиқламоқ, пардоз бермоқ, пардозламоқ; ~ **стиль расска́за** ҳикоя услубини яхшиламоқ, ҳикояга услубий пардоз бермоқ; ~ **материа́лы для газе́ты** материалларни газетабоп қилиб ишламоқ; 3 *перен. кого прост.* ўз таъсирига олмоқ, ўзига ағдармоқ, кўндирмоқ, унатмоқ, қулоғини пишитмоқ; 4 *что прост.* ишни дўндир-

www.ziyouz.com kutubxonasi

моқ, ўз фойдасига ҳал қилмоқ; ~ **де́льце** ишни дўндирмоқ, 5 *перен. кого прост.* калтакламоқ, дўппосламоқ.

ОБРАБО́ТА/ТЬСЯ, -ается *сов.* (*несов.* **обраба́тывать**ся) *разг.* ишга мосланмоқ, ишлаш натижасида йўрға бўлмоқ, яхши (силлиқ) ишлайдиган бўлиб қолмоқ; **стано́к бы́стро ~лся** станок тезда яхши ишлайдиган бўлиб қолди.

ОБРАБО́ТК/А *ж по гл.* **обрабо́тать** 1—3; **~а пушни́ны** мўйнани ишлаш, мўйнага ишлов бериш; **термѝческая ~а** термик ишлов, термик (иссиқлик билан) ишлов бериш; **~а материа́лов для докла́да** докладга тайёрланган материалларни ишлаш; ✦ **брать (взять) в ~у** ўртага олмоқ, ўртага олиб гапирмоқ, рози қилмоқ, кўндирмоқ.

ОБРА́ДОВАННЫЙ, -ая, -ое 1 *прич. от* **обра́довать; 2** *в знач. прил.* севинган, қувонган, хурсанд, шод, масрур; **~ вид** хурсанд кўриниш, хурсанд чеҳра.

ОБРА́ДОВА/ТЬ *сов.* (*несов.* **ра́довать**) *кого* севинтирмоқ, қувонтирмоқ, хурсанд қилмоқ; **~ть роди́телей хоро́шими отме́тками** яхши баҳолар олиб ота-онани хурсанд қилмоқ; **вы нас о́чень ~ли свои́м прие́здом** келиб (келишингиз билан) бизни жуда худсанд қилдингиз.

ОБРА́ДОВА/ТЬСЯ *сов.* (*несов.* **ра́доваться**) севинмоқ, қувонмоқ, хурсанд бўлмоқ, терисига сиғмай кетмоқ; **~ться хоро́шей ве́сти** яхши хабарни эшитиб хурсанд бўлмоқ; **он ~лся, уви́дев дру́га** у дўстини кўриб хурсанд бўлиб кетди.

ОБРАЗ I *м* 1 кўриниш, қиёфа, сиймо, шакл, афт, башара; **потеря́ть челове́ческий ~** кишилик қиёфасини йўқотмоқ; 2 тасаввурдаги кўриниш, тимсол, сиймо; **све́тлые ~ы бу́дущего** келажак ҳақидаги ёрқин тасаввурлар; **~ы вне́шнего ми́ра** ташқи дунё тимсоллари; 3 *иск.* образ; **~ Ромео́** Ромео образи; **~ы крестья́н у Турге́нева** Тургенев асарларида деҳқонлар образи; **мы́слить ~ами** образлар билан (образлар воситасида) фикрламоқ (фикр юритмоқ); 4 *чего* усул, йўсин, тарз, тахлит; равиш, тариқа; **~ жи́зни** турмуш тарзи; **~ мы́слей** фикр юритиш тарзи, фикрлаш усули; **кочево́й ~ жи́зни** кўчманчилик ҳаёти; 5 чиқиш келишиги формасида баъзи сифатлар ёки олмошлар билан: тарзда, йўсинда, равишда, қилиб; **таки́м ~ом** шундай қилиб, шу тарзда, шу равишда; **каки́м ~ом** қандай қилиб, қай йўсинда; **сле́дующим ~ом** қуйидаги тарзда, қуйидагича; **ра́вным ~ом** шунингдек, шунинг сингари, шу каби, шунга ўхшаш; **ники́им ~ом** асло, ҳеч, сира, мутлақо; **гла́вным ~ом** асосан, биринчи навбатда, биринчи галда; **реши́тельным ~ом** қатъий, қатъий равишда, қатъият (қатъийлик) билан; **са́мым внима́тельным ~ом** зўр диққат билан; **ча́стным ~ом** хусусий равишда, хусусий йўл билан; ✦ **в ~е** *кого* образида, қиёфасида; суратида; **по ~у и подо́бию** *чьему уст. шутл.* -га ўхшатиб, -га тақлидан; ўхшаб.

ОБРАЗ II *м, мн.* **-а́** *то же, что* **ико́на.**

ОБРАЗ/ЕЦ *м, р.* **-зца́** 1 намуна, нусха; **~е́ц ко́жи** тери намунаси; **~цы́ тка́ней** газламалар намуналари; 2 намуна, андаза; **изготовля́ть по ~ца́м** намуна бўйича (намунага қараб) тайёрламоқ; 3 *чего* намуна, тимсол; **~е́ц му́жества** мардлик намунаси (тимсоли); **~е́ц нра́вственности** боадаблик намунаси; 4 намуна, ўрнак, ибрат; **взять (брать) кого-л. за ~е́ц** бирор кимсадан намуна олмоқ; **быть ~цо́м** *чего-л.* намуна (ўрнак) бўлмоқ; 5 хил, тур, шакл, қолип, нусха; **автомоби́ль после́днего ~ца́** автомобилнинг энг кейинги (янги) нусхаси.

ОБРАЗИ́НА *ж прост.* 1 бадбашара (бадбуруш) одам, алвасти, бедаво; **ну и ~!** хунуклигини қара-я!; бунча ҳам бедаво экан (экансан)!; 2 *бран.* алвасти, тасқара.

ОБРАЗНО́СТЬ *ж* образлилик, ифодалилик, таъсирчанлик, жонлилик; **~ расска́за** ҳикоянинг образлилиги.

ОБРАЗН/ЫЙ, -ая, -ое: -зен, -зна 1 образ воситасидаги, образли; **~ое представле́ние и́стины** ҳақиқатни образлар воситасида (орқали) тасаввур (ифода) қилиш; ҳақиқатнинг образлар воситасидаги ифодаси; 2 образли, ифодали, жонли, таъсирли, таъсирчан; **~ый язы́к** жонли (таъсирчан) тил; **~ое выраже́ние** образли ифода (ибора).

ОБРАЗОВА́НИ/Е I *с* 1 *по гл.* **образова́ть** I и **образова́ться** I; **~е водяны́х паро́в** сув буғларининг пайдо бўлиши (вужудга келиши); **~е но́вых слов** янги сўзларнинг пайдо бўлиши, ясалиши; **~е госуда́рства** давлат тузиш (барпо қилиш); давлатнинг тузилиши (барпо бўлиши); **~е коми́ссии** комиссия тузиш; комиссиянинг тузилиши; **2** пайдо бўлган, яратилган нарса, маҳсулот; **~я третѝчного перѝода** *геол.* учламчи давр маҳсулотлари, учламчи даврда юзага келган ҳосилалар.

ОБРАЗОВА́НИЕ II *с* 1 маориф, ўқиш-ўқитиш, илм (маълумот) олиш; **пра́во на ~** илм (маълумот) олиш ҳуқуқи; **наро́дное ~** халқ маорифи; 2 маълумот, илм, таълим; **вы́сшее ~** олий маълумот; **дать де́тям ~** болаларга илм бермоқ, болаларни ўқитмоқ; **получи́ть ~** маълумот олмоқ, ўқимоқ; **музыка́льное ~** мусиқий таълим.

ОБРАЗОВА́ННОСТЬ *ж* билим даражаси, билимлилик, билимдонлик, маълумотлилик, ўқиганлик, ўқимишлилик; **высо́кая ~** юқори даражада билимлилик.

ОБРАЗОВА́ННЫЙ, -ая, -ое ўқимишли, билимли, маълумотли, билимдон; **~ челове́к** ўқимишли одам.

ОБРАЗОВА́ТЕЛЬН/ЫЙ I: ~ая ткань *бот.* янги ҳужайралар ҳосил қиладиган тўқима.

ОБРАЗОВА́ТЕЛЬН/ЫЙ II, -ая, -ое илм олишга, маорифга оид; илмни оширадиган; илм олиш (бериш)...; маориф...; **~ая ле́кция** илм олишга ёрдам берадиган (илмни оширадиган) лекция; ✦ **~ый ценз** маълумот цензи, белгиланган билим даражаси (бирор ҳуқуқ олиш учун).

ОБРАЗ/ОВА́ТЬ I, -зу́ю, -зу́ешь *сов.* и *несов.* (*несов. также* **образо́вывать** I) *что* 1 пайдо (ҳосил) қилмоқ, юзага (вужудга) келтирмоқ, яратмоқ; **зыбу́чие пески́ ~у́ют барха́ны** кўчма қумлар қумтепалар ҳосил қилади; **~ова́ть но́вый те́рмин** янги термин яратмоқ; 2 биргаликда бирор бутунлик ҳосил (ташкил) қилмоқ; **пятна́дцать сою́зных респу́блик ~у́ют Сове́тский Сою́з** ўн бешта республика (бирлашиб) Совет Иттифоқини ташкил қилган; 3 тузмоқ, ташкил қилмоқ; **~ова́ть коми́ссию** комиссия тузмоқ.

ОБРАЗОВА́ТЬ II, -зу́ю, -зу́ешь *сов.* и *несов.* (*несов. также* **образо́вывать** II) *уст.* 1 *кого-что* ўқитмоқ, билим (маълумот, таълим) бермоқ; 2 *что* тарбияламоқ, такомиллаштирмоқ; **~ эстети́ческий вкус** эстетик дидни тарбияламоқ (такомиллаштирмоқ).

ОБРАЗ/ОВА́ТЬСЯ I, -зу́ется *сов.* и *несов.* (*несов. также* **образо́вываться** I) 1 пайдо (ҳосил) бўлмоқ, юзага (вужудга) келмоқ; **в стене́ ~ова́лась тре́щина** деворда ёриқ пайдо бўлибди; **здесь вско́ре ~у́ется иску́сственное о́зеро** яқинда бу ерда сунъий кўл ҳосил (пайдо) бўлади; 2 уюшмоқ, тузилмоқ, ташкил бўлмоқ (топмоқ); **~у́ется но́вое спорти́вное о́бщество** янги спорт жамияти ташкил бўлмоқда (бўлади); 3 *разг.* бахайр бўлмоқ, яхши бўлмоқ, яхши натижа билан якунланмоқ; **наде́емся, что всё ~у́ется** ҳамма иш яхши бўлади (ўрнига тушади) деб умид қиламиз; 4 ясалмоқ, келиб чиқмоқ; **мно́гие наре́чия ~у́ются от имён прилага́тельных** кўп равишлар сифатлардан ясалади.

ОБРАЗОВА/ТЬСЯ II, -зу́юсь, -зу́ешься *сов.* и *несов.* (*несов. также* **образо́вываться** II) *уст.* маълумот олмоқ, билим олмоқ; таҳсил кўрмоқ; **он ~лся в столи́це** у пойтахтда таҳсил олган.

ОБРАЗО́ВЫВАТЬ I *несов. см.* **образова́ть** I.

ОБРАЗО́ВЫВАТЬ II *несов. см.* **образова́ть** II.

ОБРАЗО́ВЫВАТЬСЯ I, -ается *несов.* 1 *см.* **образова́ться** I; 2 *страд. от* **образо́вывать** I.

ОБРАЗО́ВЫВАТЬСЯ II *несов.* 1 *см.* **образова́ться** II; 2 *страд. от* **образо́вывать** II.

ОБРАЗО́К *м, р.* **-зка́** *уменьш. от* **о́браз** II иконача, кичкина санам, бут.

ОБРАЗУ́МИТЬ, -млю, -мишь *сов.* (*несов.* **образу́мливать**) *кого разг.* эсини (ақлини) киргизмоқ, эс-ҳушли қилмоқ, тартибга солиб қўймоқ; **~ шалуна́** шўх боланинг эсини киргизмоқ, шўх болани тартибга солиб қўймоқ.

ОБРАЗУ́МИТЬСЯ, -млюсь, -мишься *сов.* (*несов.* **образу́мливаться**) 1 *разг.* ақли кирмоқ, эс-ҳушини йиғиштириб олмоқ; **пора́ бы тебе́ ~** эс-ҳушингни (ақлингни) йиғиб олсанг бўлар эди; 2 *уст.* ҳушига келмоқ, ўзига келмоқ, ҳушёр тортмоқ.

ОБРАЗУ́МЛИВАТЬ *несов. см.* **образу́мить.**

ОБРАЗУ́МЛИВАТЬСЯ *несов. см.* **образу́миться.**

ОБРАЗУ́ЮЩ/ИЙ, -ая, -ее 1 *прич. от* образова́ть I; 2 *в знач. сущ.* **~ая** *ж мат. то же, что* **образу́ющая ли́ния**; ✦ **~ая ли́ния** *мат.* ясовчи (ўз ҳаракати билан бирор юза ёки сирт ҳосил қиладиган чизиқ).

www.ziyouz.com kutubxonasi

ОБРАЗЦОВ/ЫЙ, -ая, -ое 1 намунали, намуна бўладиган; намуна учун қилинган; намуна; **~ая дета́ль** намуна деталь; 2 ўрнак (ибрат) бўладиган, ўрнакли, энг яхши; **~ый учени́к** ўрнак бўладиган ўқувчи, энг яхши ўқувчи; **~ое поведе́ние** ўрнак бўладиган хулқ-атвор.

ОБРАЗЧИ́К *м* 1 *то же, что* **образе́ц** 1; **~ обо́ев** гулқоғозлар намунаси (нусхаси); 2 *перен. чего разг.* намуна, мисол, тимсол; **~ недисциплини́рованности** интизомсизлик намунаси.

ОБРА́МИТЬ, -млю, -мишь и **ОБРАМИ́ТЬ, -млю́, -ми́шь** *сов.* (*несов.* **обрамля́ть**) *что* 1 рамкага солмоқ; ҳошияламоқ; **~ портре́т** портретни рамкага солмоқ; 2 ўрамоқ, ўраб турмоқ, ўраб олган бўлмоқ; **лицо́, обрамлённое чёрной бородо́й** қора соқол билан қопланган (ўралган) юз, қора соқол қоплаган юз.

ОБРАМЛЕ́НИЕ *с* 1 *по гл.* **обра́мить; ~ карти́ны** картинани рамкага солиш; 2 ром. рамка, ҳошия; **~ окна́** дераза роми; **золото́е ~** зар ҳошия.

ОБРАМЛЯ́ТЬ *несов. см.* **обра́мить.**

ОБРАСТА́НИЕ *с по гл.* **обраста́ть.**

ОБРАСТА́ТЬ *несов. см.* **обрасти́.**

ОБРАСТИ́, -ту́, -тёшь; обро́с, -ла́ *сов.* (*несов.* **обраста́ть**) *чем* 1 қопланмоқ ўралмоқ; **овра́г обро́с куста́рником** жарлик (сойлик) буталар билан қопланди, жарликни бута босиб кетди; **ка́мни обросли́ мхом** тошлар йўсин (мох) билан қопланди (қопланибди); 2 *разг.* соч-соқоли (юнги) ўсиб кетмоқ, ҳамма ёғи соч-соқол (юнг) билан қопланмоқ; **~ бородо́й** соқоли ўсиб кетмоқ; **Одича́л [Петро́]; обро́с волоса́ми...** (Гоголь) [Петро] ёввойилашган; унинг соч-соқоллари ўсиб кетган...; 3 *чем разг.* бирор нарса билан қопланмоқ; бирор нарса босмоқ; **~ жи́ром** ёғ босмоқ, ёғ битиб кетмоқ, семирмоқ; **ступе́ни крыльца́ обросли́ гря́зью** кираверишдаги зиналарни лой босиб кетибди; 4 *чем разг.* орттирмоқ; атрофи бирор нарса билан ўралиб кенгаймоқ; **~ хозя́йством** хўжалик орттирмоқ, хўжалигини кенгайтирмоқ; **го́род обро́с новостро́йками** шаҳар янги қурилишлар билан кенгайди; ✦ **мо́хом ~** моғорлаб ётмоқ, йўпанак босиб кетмоқ, одамови бўлиб қолмоқ.

ОБРА́Т *м спец.* ёғи олинган сут.

ОБРАТИМОСТЬ *ж* дастлабки ҳолига қайта (тиклана) олиш, қайтарилувчанлик; **~ хими́ческих реа́кций** химиявий реакцияниг қайтарилувчанлиги.

ОБРАТИ́М/ЫЙ, -ая, -ое асл ҳолига қайта (тиклана) оладиган; қайтариладиган, қайтарилувчи, қайтарилувчан; **~ое измене́ние** асл ҳолига кела оладиган ўзгариш; **~ый проце́сс** қайтарилувчи процесс; **~ая реа́кция** қайтарилувчи реакция.

ОБРАТИ́ТЬ, -ащу́, -ати́шь *сов.* (*несов.* **обраща́ть**) 1 *что* бурмоқ, ўгирмоқ, қаратмоқ; ташламоқ (кўз ҳақида); **~ лицо́ к све́ту** юзни нур томонга (ёруққа) бурмоқ; **~ взор** *на кого-л.* қарамоқ, кўз ташламоқ; 2 *что* қаратмоқ, қарата ўрнатмоқ; **окно́, обращённое на восто́к** шарқ томонга қараган (қаратилган) дераза; **дом обращён фаса́дом в сад** уйнинг олди боққа қараган (қаратилган); 3 *перен. что* қаратмоқ, йўналтирмоқ; бағишламоқ, сарфламоқ; бурмоқ; **~ всю эне́ргию на выполне́ние пла́на** бутун куч-ғайратни планни бажаришга қаратмоқ (бағишламоқ); **~ разгово́р к друго́му предме́ту** гапни (суҳбатни) бошқа нарсага буриб юбормоқ; 4 *кого-что* бошқа ҳолга келтирмоқ, айлантирмоқ, қилиб қўймоқ; **~ газ в жи́дкость** газни суюқ ҳолга келтирмоқ, газни суюқликка айлантирмоқ; **~ жило́й дом в детса́д** турар жой биносини боғчага айлантирмоқ; **~ де́ло в шу́тку** ишни ҳазилга айлантирмоқ; 5 киргизмоқ, кўндирмоқ; **~ в свою́ ве́ру** ўз динига киргизмоқ; 6 *что* алмаштирмоқ, бошқа нарсага айлантирмоқ, ўзгартирмоқ; **~ де́ньги в заём** пулни заёмга алмаштирмоқ; **~ в капита́л** пулга (капиталга) айлантирмоқ; ✦ **~ в бе́гство** тум-тарақай қочирмоқ.

ОБРАТИ́/ТЬСЯ, -ащу́сь, -ати́шься *сов.* (*несов.* **обраща́ться**) 1 ўгирилмоқ, қайрилмоқ, қайрилиб қарамоқ; **все взо́ры обращены́ на него́** ҳамманинг нигоҳи унга қаратилди, ҳамма унга қаради; **~ться лицо́м к восто́ку** шарқ томонга ўгирилмоқ, юзини шарққа ўгирмоқ, қаратмоқ; 2 *перен.* қаратилмоқ, йўналтирилмоқ; **Месть её ~лась на безви́нную па́дчерицу** (Гоголь) Унинг қасоси бегуноҳ ўгай қизига қаратилди (у аламини бегуноҳ ўгай қизидан олди); 3 киришмоқ, тутинмоқ; мурожаат қилмоқ, фойдаланмоқ; **~ться к изуче́нию языко́в** тилларни ўрганишга киришмоқ; **~ться к первоисто́чникам** биринчи манбаларга мурожаат қилмоқ, биринчи манбалардан фойдаланмоқ; 4 мурожаат қилмоқ; **~ться по и́мени** исмини айтиб мурожаат қилмоқ; **~ться с про́сьбой** илтимос билан мурожаат қилмоқ; **~ться за сове́том** маслаҳат сўраб мурожаат қилмоқ, маслаҳат сўрамоқ; **~ться к врачу́** врачга мурожаат қилмоқ, докторга қаратмоқ; 5 ўзгармоқ, айланмоқ, бўлиб қолмоқ; **вода́ ~лась в лёд** сув музга айланди; ✦ **~ться в зре́ние** вужуди билан кўзга айланмоқ, диққат билан қарамоқ; **~ться в слух** жон-қулоқ билан тингламоқ, диққат билан қулоқ солмоқ; **~ться в бе́гство** тум-тарақай қочмоқ.

ОБРА́ТНО *нареч.* 1 орқага, қарама-қарши томонга; **поверну́ть ~** орқага қайтмоқ; орқага қайтармоқ; **~мы шли быстре́е** қайтишда биз илдамроқ юрдик; 2 қайтариб, қайта, яна; **взять ~** қайтариб олмоқ; **дать ~** қайтариб бермоқ; **взять свои́ слова́ ~** сўзини қайтариб олмоқ; **биле́т туда́ и ~** бориб-келиш билети; 3 *разг.* аксинча; тескари; **де́йствовать ~** тескари (акс) таъсир кўрсатмоқ; 4 *мат.* тескари; **~ пропорциона́льный** тескари пропорционал.

ОБРА́ТН/ЫЙ, -ая, -ое 1 орқага (қарама-қарши томонга) йўналган, қарама-қарши, тескари; **на ~ом пути́** қайтишда; **в ~ом направле́нии** қарама-қарши йўналишда; тескари томонга, орқа томонга қараб; 2 *разг.* орқага қайтадиган, қайтувчи; **~ый по́езд** қайтадиган (қайтувчи) поезд; 3 асли ҳолига қайтарадиган, қайтарувчи; тикловчи; **~ое превраще́ние това́ра в де́ньги** товарнинг қайтадан пулга айланиши; **~ый хими́ческий проце́сс** қайтарувчи (тикловчи) химиявий процесс; 4 тескари, акс, зид, қарама-қарши; **~ый смысл** тескари (акс) маъно; **деле́ние — де́йствие, ~ое умноже́нию** бўлиш кўпайтиришга тескари амалдир; **утвержда́ть ~ое** тескарисини таъкидламоқ; 5 тескари, қарама-қарши, орқа; **~ая сторона́ Луны́** Ойнинг орқа томони; **~ый склон горы́** тоғнинг нариги (қарама-қарши томонидаги) ёнбағри; 6 *мат.* тескари; **~ая пропорциона́льность** тескари пропорционаллик; ✦ **~ый а́дрес** (хат, посилка ва ҳ. к.) юборувчининг адреси; адресант адреси; **~ая си́ла зако́на** *юр.* қонуннинг тескари кучи (унинг эълон этилмасдан олдинги даврга жорий этила олиши).

ОБРАЩА́/ТЬ *несов. см.* **обрати́ть; не ~я внима́ния** *на кого-что* эътибор бермасдан, писанд қилмасдан.

ОБРАЩА́/ТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **обрати́ться;** 2 *книжн.* айланмоқ, айланиб юрмоқ; **Земля́ ~ется вокру́г Со́лнца** Ер Қуёш атрофида айланади; 3 истеъмолда бўлмоқ, ишлатилмоқ, ўтмоқ, юрмоқ; **э́ти де́ньги бо́льше не ~ются** бу пуллар энди ўтмайди (юрмайди); 4 *с кем* бирор тарзда муомала қилмоқ, муомалада бўлмоқ; **пло́хо ~ться** *с кем-л.* ёмон муомала қилмоқ; **не ~йтесь со мной, как с мальчи́шкой** мени ёш бола деб ўйламанг, менга ёш боладай муомала қилманг; 5 *с чем* бирор тарзда ишлатмоқ, фойдаланмоқ; **уме́ть ~ться с ору́жием** қуролни ишлата билмоқ; **с э́тим прибо́ром на́до ~ться осторо́жно** бу асбобдан эҳтиётлик билан фойдаланиш керак; 6 *страд. от* **обраща́ть** 4, 5.

ОБРАЩЕ́НИ/Е *с* 1 *по гл.* **обрати́ть — обраща́ть** и **обрати́ться — обраща́ться;** 2 муомала, муносабат; **ве́жливое ~е** яхши муомала, хушмуомалалик; 3 мурожаат; мурожаатнома; **новогоднее ~е к сове́тскому наро́ду** совет халқига янги йил мурожаати; **~е к чита́телю** ўқувчиларга мурожаат; 4 ишлатилиш, муомалада бўлиш, юриш, муомала; **изъя́ть из ~я** муомаладан чиқармоқ, бекор қилмоқ; **находи́ться в ~и** муомалада бўлмоқ, ишлатилмоқ, юрмоқ; 5 *грам.* ундалма; 6 фойдаланиш, ишлатиш; **обучи́ть ~ю с ору́жием** куролдан фойдаланишни ўргатмоқ.

ОБРЕВИЗОВАТЬ, -зу́ю, -зу́ешь *сов. кого-что* ревизия қилмоқ, текширмоқ, ревизия қилиб (текшириб) чиқмоқ; **~ магази́н** магазинни ревизия қилиб чиқмоқ; **~ отчёты** ҳисоботларни текшириб чиқмоқ.

ОБРЕ́З *м* 1 чет, қирғоқ; **кни́га с золото́м ~ом** четн зарҳал китоб; 2 қирқма милтиқ (стволи қирқилган милтиқ); ✦ **в ~** учма-уч, роппа-роса, ўлчовли, ўлчагандай; **вре́мени в ~** вақт ўлчовли, вақт оз; **де́нег у нас в ~** пулимиз роппа-роса етарли, пулимиз зўрға етади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ОБРЕ́ЗАНИЕ *с рел.* хатна қилиш, кесиш, кестириш.

ОБРЕЗА́/ТЬ, -е́жу, -е́жешь *сов. (несов.* **обреза́ть** и **обре́зывать**) 1 *что* кесмоқ, қирқмоқ, узмоқ, кесиб олмоқ, кесиб (қирқиб) ташламоқ; **~ть верёвку** арқонни қирқмоқ; **~ть но́гти** тирноқни олмоқ; **~ть подгоре́вшую ко́рочку хле́ба** нонниг куйган жойларини кесиб ташламоқ; 2 *что* кесиб олмоқ, тилиб яраламоқ; **я ~л себе́ па́лец** мен бармоғимни кесиб олдим; 3 *перен. кого разг.* гапини бўлиб қўймоқ; гапни бўлмоқ, кесмоқ, тўхтатмоқ; **он меня́ ре́зко ~л** у шартта менинг гапимни бўлди; **нет,— ~л он** у йўқ деб гапни тўхтатди (бўлиб қўйди); 4 *рел.* хатна қилмоқ, кесмоқ, кестирмоқ; ✦ **~ть кры́лья** *кому* қанотини синдирмоқ; **~ть нос (кормý)** *мор.* бошқа кеманинг тумшуғи олдидан кесиб ўтмоқ.

ОБРЕЗА́ТЬ *несов. см.* **обре́зать.**

ОБРЕЗА́ТЬСЯ, -е́жусь, -е́жешься *сов. (несов.* **обреза́ться** и **обре́зываться**) *разг.* ўзининг бирор жойини кесиб олмоқ; **~ ножо́м** бирор жойини пичоқ билан кесиб олмоқ; **~ оско́лком стекла́** шиша парчасидан жароҳатланмоқ (ўзининг бирор жойини кесиб олмоқ).

ОБРЕЗА́ТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **обре́заться;** 2 *страд. от* **обреза́ть.**

ОБРЕ́ЗКА *ж по гл.* **обре́зать** 1; **~ ко́жи** терининг четларини кесиб ташлаш; **~ виногра́дных лоз** ток новдаларини кесиш, ток кесиш.

ОБРЕ́ЗОК *м, р.* **-зка** қийқим, қийқинди, қирқинди, резги; **~ тка́ни** газмолнинг қийқими; **~ ко́жи** тери резгиси; **~ про́волоки** сим қийқиндиси; қирқинди сим.

ОБРЕЗЫВА́ТЬ *несов. см.* **обре́зать.**

ОБРЕЗЫВА́ТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **обре́заться;** 2 *страд. от* **обре́зывать.**

ОБРЕКА́ТЬ *несов. см.* **обре́чь.**

ОБРЕМЕНИТЕЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое; -лен, -льна малол келадиган, малоллик келтирадиган, оғир, қийин; **~ое поруче́ние** малол келадиган топшириқ, оғир вазифа.

ОБРЕМЕНИ́/ТЬ *сов. (несов.* **обременя́ть**) *кого-что чем* 1 юк бўлиб тушмоқ. оғирлаштирмоқ; **я́блони, обременённые спе́лыми плода́ми** етилган мевалари оғирлигидан шохлари эгилиб тушган олмалар; 2 *перен.* оғир иш юклаб қийнамоқ, малоллик келтирмоқ, уринтирмоқ; **~ть непоси́льным трудо́м** кучи етмайдиган (қўлидан келмайдиган) иш билан қийнаб қўймоқ; **его́ ~ли поруче́ниями** топшириқлар билан уни қийнаб (уринтириб) қўйишди; **е́сли э́то вас не ~т** агар бу сизга қийин бўлмаса (малол келмаса); бемалол бўлса.

ОБРЕМЕНЯ́ТЬ *несов. см.* **обремени́ть.**

ОБРЕМИ́ЗИТЬ, -и́жу, -и́зишь *сов. кого* 1 *карт.* қолдирмоқ, ютмоқ; 2 *перен. разг. уст.* қийин аҳволга солмоқ, ноқулай аҳволга солиб қўймоқ, ҳижолат қилмоқ; ранжитмоқ; **[Хлы́нов:] Вы лу́чше со мной не суди́тесь, потому́ я сейча́с вас обреми́зить могу́** (А. Островский) [Хлинов:] Яхшиси сиз мен билан тортишманг, чунки сизни ноқулай аҳволга солиб қўйишим мумкин.

ОБРЕМИ́ЗИТЬСЯ, -и́жусь, -и́зишься *сов.* 1 *карт.* ютқазмоқ; 2 *перен. разг. уст.* қийин аҳволга тушмоқ, қийин аҳволда қолмоқ, ҳижолат бўлмоқ; ранжимоқ.

ОБРЕСТИ́, -ету́, -етёшь; -рёл, -рела́ *сов. (несов.* **обрета́ть**) *кого-что* топмоқ, олмоқ, қозонмоқ, эришмоқ, эга бўлмоқ; **~ дру́га** ўзига дўст топиб олмоқ; **~ поко́й** тинчлик топмоқ; ҳузур-ҳаловатга эришмоқ; **~ свобо́ду** эрк қозонмоқ, озодликка эришмоқ; **зако́н обрёл си́лу** қонун кучга кирди; **~ пре́жнюю фо́рму** олдинги ҳолига (формага) қайтмоқ, кучини тикламоқ; ✦ **~ кры́лья** қанотланмоқ, қанот ёзмоқ, илҳом олмоқ, кўкракни кермоқ.

ОБРЕТА́ТЬ *несов. см.* **обрести́.**

ОБРЕЧЕ́ННОСТ/Ь *ж* ҳалокатга маҳкумлик, ҳалокати (ўлими, ўлиши) муқаррарлик; **чу́вство ~и** ўзини тамом бўлган деб ҳис этиш; **~ь ра́неного зве́ря** яраланган ҳайвоннинг ўлимга маҳкумлиги (ўлиши муқаррарлиги).

ОБРЕЧЕ́НН/ЫЙ, -ая, -ое 1 *прич. от* **обре́чь; де́ло, ~ое на прова́л** барбод бўлиши муқаррар иш; 2 *в знач. прил.* ҳалокатга маҳкум, ҳалок (барбод) бўлиши муқаррар, ўлиши аниқ бўлган; **~ый челове́к** ўлим кишиси.

ОБРЕ́ЧЬ, -еку́, -ечёшь; -ёк, -екла́ *сов. (несов.* **обрека́ть**) *кого-что* дучор қилмоқ, маҳкум қилмоқ; **~ на ги́бель** ҳалокатга дучор қилмоқ; **~ на смерть** ўлимга маҳкум қилмоқ.

ОБРЕШЕ́ТИНА *ж спец.* обрешётка тахтаси.

ОБРЕШЕ́ТИТЬ, -е́чу, -е́тишь *сов. (несов.* **обреше́чивать**) *что спец.* 1 панжара қилмоқ, панжара ўрнатмоқ; **~ окно́** деразага панжара ўрнатмоқ; 2 обрешётка қилмоқ, обрешётка қоқмоқ; **~ кры́шу** томга обрешётка қоқиб чиқмоқ, томни обрешётка қилмоқ.

ОБРЕШЕ́ТКА *ж спец.* 1 *по гл.* **обреше́тить;** 2 обрешётка (том ёпиш, суваш ва ҳ. к. учун қатор ёки катак-катак қилиб қоқилган тахталар).

ОБРЕШЕ́ЧИВАТЬ *несов. см.* **обреше́тить.**

ОБРИВА́ТЬ *несов. см.* **обри́ть.**

ОБРИВА́ТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **обри́ться;** 2 *страд. от* **обрива́ть.**

ОБРИСОВА/ТЬ, -су́ю, -су́ешь *сов. (несов.* **обрисо́вывать**) 1 *что* устидан (ёки атрофини) чизиб чиқмоқ, устидан қалам юргизмоқ; **~ть бу́кву пожирне́е** ҳарфни устидан қалам юргизиб қорайтирмоқ; 2 *перен. кого-что* таърифлаб бермоқ, тасвирлаб (тавсифлаб) бермоқ; баён қилмоқ; **~ть обстано́вку** шароитни (аҳволни) тасвирлаб бермоқ; **я́рко ~ть** яққол (ёркин) тасвирлаб бермоқ; 3 *что* ёпиштириб шаклини аниқ намоён қилмоқ; **ма́йка ~ла мо́щный торс тяжелоатле́та** оғир атлетикачининг баданига ёпишиб турган майка унинг бақувват гавдасини яққол кўрсатиб турибди.

ОБРИСОВА/ТЬСЯ, -у́ется *сов. (несов.* **обрисо́вываться**) 1 кўринмоқ, кўзга ташланмоқ, намоён бўлмоқ; **вдали́ ~лись го́ры** йироқдан тоғлар кўринади; 2 *перен.* маълум бўлиб қолмоқ, аён бўлмоқ; **де́ло ~лось во всех дета́лях** иш майда-чуйдасигача аниқ-равшан бўлди.

ОБРИСО́ВКА *ж по гл.* **обрисова́ть** и **обрисова́ться; ~ ко́нтуров** контур чизиқларини чизиб чиқиш; **~ положе́ния** аҳволни (вазиятни, шароитни) тасвирлаш, таърифлаш; аҳволнинг (шароитнинг, вазиятнинг) тасвири, таърифи; **~ о́браза** образнинг тавсифи.

ОБРИСО́ВЫВАНИЕ *с по гл.* **обрисо́вывать** и **обрисо́вываться; ~ узо́ров** нақшларнинг (гулларнинг) атрофини чизиб чиқиш.

ОБРИСО́ВЫВАТЬ *несов. см.* **обрисова́ть.**

ОБРИСО́ВЫВАТЬСЯ, -ается *несов.* 1 *см.* **обрисова́ться;** 2 *страд. от* **обрисо́вывать.**

ОБРИ́ТЬ, обре́ю, обре́ешь *сов. (несов.* **обрива́ть**) *кого-что* қирмоқ, қириб ташламоқ, олмоқ; **~ бо́роду** соқолини қириб ташламоқ, соқолини олмоқ.

ОБРИ́ТЬСЯ, обре́юсь, обре́ешься *сов. (несов.* **обрива́ться**) қиринмоқ, соч-соқолини олмоқ ёки олдирмоқ.

ОБРО́К *м* оброк (крепостной деҳқонлардан пул ёки маҳсулот шаклида олинган тўловлар).

ОБРОНИ/ТЬ, -они́, -о́нишь *сов. что* 1 *разг.* туширмоқ, тушириб қўймоқ, тушириб йўқотмоқ; **~ть бума́жник** ҳамённи тушириб (йўқотиб) қўймоқ; **я где́-то ~л очки́** қаердадир кўзойнагимни тушириб қўйибман; 2 баргини ташламоқ, тўкмоқ; **лес ~л листву́** ўрмондаги дарахтлар барглари тўкиб юборди (юборган); 3 *также без доп.* бирор сўз (гап) айтиб қўймоқ, оғзидан чиқармоқ; **~ть мимохо́дом замеча́ние** йўл-йўлакай бирор фикр билдирмоқ.

ОБРО́ЧНИК *м* оброк тўловчи крепостной деҳқон.

ОБРО́ЧНЫ/Й, -ая, -ое 1 оброк солиғига оид; оброк...; **~й сбор** оброк солиғи; 2 оброк тўловчи; **~е крестья́не** оброк тўловчи деҳқонлар; 3 ижарага бериладиган (ер-мулк ҳақида); **~е уго́дья** ижарага бериладиган ерлар.

ОБРУБА́ТЬ *несов. см.* **обруби́ть.**

ОБРУБИ́ТЬ, -ублю́, -у́бишь *сов. (несов.* **обруба́ть**) *что* 1 кесмоқ, кесиб (чопиб) ташламоқ, қисқартмоқ; **~ жердь** ходани кесиб қисқартирмоқ; 2 кесмоқ, бутамоқ, каллакламоқ; **~ су́чья** шохларни кесмоқ, бутамоқ; 3 қирғоғини (четини) бостирмоқ, бостириб тикмоқ; **~ платки́** рўмолларнинг четини бостирмоқ.

ОБРУБКА *ж* 1 *по гл.* **обруби́ть;** 2 *тех.* обрубка (қуйилган деталларни арайишлардан тозалаш).

ОБРУБНО́Й, -а́я, -о́е *тех.* обрубкага оид, обрубка қиладиган; обрубка...; **~ стано́к** обрубка станоги.

ОБРУБО́К *м, р.* **-бка** ғўла, ғўлача, кесик; **~ бревна́** хода бўлаги; ғўла; кунда; **~ мета́лла** металл кесиги; **~ хвоста́** кесик дум; кесилиб тушган дум бўлаги.

ОБРУГА́ТЬ *сов.* 1 сўкмоқ, уришмоқ; сўкиб (уришиб) бермоқ, қаттиқ койимоқ; ҳақорат қилмоқ; **~ за опозда́ние**

www.ziyouz.com kutubxonasi

кечикканлиги учун қаттиқ койимоқ; 2 *разг.* қаттиқ танқид қилмоқ; ~ **докла́д** докладни қаттиқ танқид қилмоқ.

ОБРУГА́ТЬСЯ *сов. разг.* сўкинмоқ, сўкмоқ.

ОБРУСЕ́ЛЫЙ, -ая, -ое руслашган, руслашиб кетган.

ОБРУСЕ́НИЕ *с* 1 руслаши; 2 руслаштириш.

ОБРУСЕ́ТЬ *сов.* руслашмоқ, руслашиб кетмоқ.

ОБРУСИ́ТЬ *сов. кого* руслаштирмоқ.

ОБРУЧ *м, р. мн.* **-е́й** 1 гардиш, чамбарак, обруч; **желе́зный** ~ темир гардиш, темир чамбарак; **набить** ~ **на бо́чку** бочкага гардиш (чамбарак) қоқмоқ (кийгизмоқ); **упражне́ния с** ~**ем** *спорт.* обруч билан қилинадиган машқлар; 3 чамбар; **золото́й** ~ **на волоса́х** сочларни тутиб турувчи олтин чамбар.

ОБРУЧА́ЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое никоҳга оид; никоҳ...; ~**ый обря́д** никоҳ маросими; ~**ое кольцо́** никоҳ узуги.

ОБРУЧА́ТЬ *несов. см.* **обручи́ть.**

ОБРУЧА́ТЬСЯ *несов. см.* **обручи́ться.**

ОБРУЧЕ́НИЕ *с* 1 *церк.* никоҳ, никоҳлаш; 2 унаштириш, унаштириб қўйиш.

ОБРУЧИ́ТЬ *сов.* (*несов.* **обруча́ть**) 1 *кого* никоҳламоқ, никоҳдан ўтказмоқ; 2 унаштирмоқ.

ОБРУЧИ́ТЬСЯ *сов.* (*несов.* **обруча́ться**) 1 никоҳланмоқ, никоҳдан ўтмоқ; 2 унаштирилмоқ, унаштириб қўйилган бўлмоқ.

ОБРУ́ШЕНИЕ *с по гл.* **обру́шить** и **обру́шиться; ~ кро́вли** томнинг қулаши.

ОБРУ́ШИВАНИЕ *с по гл.* **обру́шивать** и **обру́шиваться; ~ берего́в** қирғоқларнинг ўпирилиши.

ОБРУ́ШИВАТЬ *несов. см.* **обру́шить.**

ОБРУ́ШИВАТЬСЯ *несов. см.* **обру́шиться.**

ОБРУ́ШИТЬ *сов.* (*несов.* **обру́шивать**) *что* 1 қулатмоқ, ағдармоқ, ўпириб юбормоқ; ~ **сте́ну** деворни қулатмоқ; **обва́л обру́шил с горы́ то́нны камне́й** кўчки тоғдан тонналаб тошларни қулатди; 2 *перен. на кого-что* ёғдирмоқ, бостириб юбормоқ, кўмиб ташламоқ; ~ **ого́нь на проти́вника** душман устига ўт (ўқ) ёғдирмоқ; ~ **пото́к бра́ни** қарғиш-сўкишларга кўмиб юбормоқ; 3 *спец.* оқламоқ, тозаламоқ (дон ҳақида); ~ **про́со** тариқ оқламоқ.

ОБРУ́ШИ/ТЬСЯ *сов.* (*несов.* **обру́шиваться**) 1 қуламоқ, ағдарилмоқ, ўпирилиб тушмоқ; **потоло́к** ~**лся** шип (том) ўпирилиб тушди; 2 ўзини ташламоқ, залвори билан тушмоқ, йиқилмоқ; **ра́неный кабан́ с шу́мом** ~**лся на́земь** яраланган қобон гуп этиб ерга йиқилди; 3 шиддат билан ёғилмоқ, босмоқ; **на ау́л** ~**лся селево́й пото́к** овулни сел босди; 4 *перен.* ногаҳон бошга тушмоқ; **Вся рабо́та по хозя́йству** ~**лась на неё одну́** (Гладков) Хўжаликдаги ҳамма иш бирдан унинг бошига тушди; 5 *перен. на кого-что* ташланмоқ, ҳамла (ҳужум) қилмоқ; ~**ться на врага́** душман устига ташланмоқ; ~**ться с угро́зами** дўқ-пўписа қилиб (ўдағайлаб) бормоқ.

ОБРЫ́В *м* 1 узиш; узилиш; ~ **ни́ти** ипни узиш; ипнинг узилиши; ~ **сигнализа́ции** сигнализацияни узиш; сигнализациянинг узилиб қолиши; 2 узилган жой, узиқ; **обнару́жить** ~ **на ли́нии свя́зи** алоқа линиясининг узилган жойини топмоқ; 3 тик жар, жарлик; **упа́сть с** ~**а** жар тепасидан йиқилмоқ.

ОБРЫВА́ТЬ I *несов. см.* **оборва́ть.**

ОБРЫВА́ТЬ II *несов. см.* **обры́ть.**

ОБРЫВА́ТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **оборва́ться;** 2 *страд. от* **обрыва́ть** I.

ОБРЫВИСТЫ/Й, -ая, -ое 1 тик жарли, тик кесилиб тушган; ~**й бе́рег** тик қирғоқ, тик жарлик; ~**е ска́лы** тик кўтарилган (кесилган) қоялар; 2 узуқ-узуқ, узуқ-юлуқ, чала-ярим, бўлинган, чала-чулпа; ~**е фра́зы** узуқ-узуқ жумлалар, чал-чулпа гаплар.

ОБРЫ́В/ОК *м, р.* **-вка** 1 парча, лахтак, бўлак; ~**ок бума́ги** қоғоз парчаси; ~**ки ше́рсти** жун парчалари; 2 *перен.* узуқ-юлуқ (чала-ярим) парча, бўлак, қисм; ~**ок мы́сли** чала-ярим фикр; ~**ки све́дений** узуқ-юлуқ хабарлар; ~**ки фраз** чала-ярим гаплар.

ОБРЫ́ВОЧНЫ/Й, -ая, -ое; -чен, -чна узилиб қолган, узуқ-юлуқ, чала-ярим, чала-чулпа, боғланишсиз; ~**е фра́зы** узуқ-юлуқ жумлалар, боғланишсиз гаплар; ~**е воспомина́ния** чала-чулпа хотиралар.

ОБРЫ́ЗГАТЬ *сов.* (*несов.* **обры́згивать**) *кого-что* майдалаб (шакароб қилиб) сепмоқ, пуркамоқ; сачратмоқ; ~ **духа́ми** атир сепмоқ; ~ **лицо́ водо́й** юзига сув пуркамоқ (сепмоқ); ~ **пол** полга шакароб қилиб сув сепмоқ.

ОБРЫ́ЗГА/ТЬСЯ *сов.* (*несов.* **обры́згиваться**) ўзига сепмоқ, пуркамоқ, сачратмоқ; ~**ться гря́зью** ўзига лой сачратмоқ; **осторо́жно, не** ~**йся!** эҳтиёт бўл, ўзингга сачрамасин!

ОБРЫ́ЗГИВАТЬ *несов. см.* **обры́згать.**

ОБРЫ́ЗГИВАТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **обры́згаться;** 2 *страд. от* **обры́згивать.**

ОБРЫ́ЗНУТЬ *сов. однокр. см.* **обры́згивать.**

ОБРЫСКА/ТЬ, -аю, -аешь и **-ры́щу, -ры́щешь** *сов. что разг.* ҳамма ёқни айланиб чиқмоқ, кезмоқ, титиб юбормоқ; ~**ть весь свет** бутун дунёни айланиб чиқмоқ; ~**л все магази́ны в по́исках уче́бника** дарслик қидириб ҳамма магазинларни айланиб чиқдим.

ОБРЫ́ТЬ, -ро́ю, -ро́ешь *сов.* (*несов.* **обрыва́ть** II) *что* 1 ҳамма ёғини чопиб (ковлаб) ташламоқ; 2 атрофини чопмоқ, чопиб қўймоқ; ~**я́блоню** олманинг атрофини (тагини) чопиб қўймоқ.

ОБРЮЗГЛ/ЫЙ, -ая, -ое хомсемиз, эти (те́риси) осилиб тушган, шалвираган, бўтқа; ~**ый мужчи́на** хомсемиз киши; ~**ое лицо́** эти (тери си) осилган юз.

ОБРЮЗГ/НУТЬ, -ну, -нешь; -ю́зг, -ю́згла *сов.* хом семирмоқ, халтадек осилиб қолмоқ, бўтқа бўлиб кетмоқ; шалвираб қолмоқ; **Обло́мов как-то** ~ **не по лета́м** (И. Гончаров) Обломов ёшига нисбатан бўтқадек семирган.

ОБРЮЗГШИЙ, -ая, -ее 1 *прич. от* **обрю́згнуть;** 2 *в знач. прил. то же, что* **обрю́зглый.**

ОБРЯД *м* маросим, расм-русум, удум; **похоро́нный** ~ кўмиш (дафн) маросими; **сва́дебный** ~ тўй маросими.

ОБРЯДИ́ТЬ, -яжу́, -я́дишь *сов.* (*несов.* **обряжа́ть**) *кого разг.* и *шутл.* кийинтирмоқ, ясантирмоқ; кийдирмоқ; ~ **в лу́чшее пла́тье** энг яхши кийимини кийдирмоқ.

ОБРЯДИ́ТЬСЯ, -яжу́сь, -я́дишься *сов.* (*несов.* **обряжа́ться**) *разг.* и *шутл.* кийинмоқ, ясанмоқ; ~ **во всё но́вое** бош-оёқ янги кийим кийиб ясанмоқ.

ОБРЯДНОСТ/Ь *ж* маросимлар, расм-русум, удумлар; **выполня́ть все** ~**и** ҳамма маросимларни (удумларни) бажармоқ.

ОБРЯ́ДНЫЙ, -ая, -ое *уст. то же, что* **обря́довый.**

ОБРЯДОВЫ/Й, -ая, -ое маросимларга оид; маросимларда бўладиган, қилинадиган; маросим...; ~**е пе́сни** маросим қўшиқлари, маросимларда айтиладиган қўшиқлар.

ОБРЯЖА́ТЬ *несов. см.* **обряди́ть.**

ОБРЯЖА́ТЬСЯ *несов. см.* **обряди́ться.**

ОБСАДИ́ТЬ, -ажу́, -а́дишь *сов.* (*несов.* **обса́живать**) *что* теварагига экмоқ, атрофига ўтқазмоқ; экиб ўрамоқ; ~ **сад мали́ной** боғ атрофига малина экмоқ.

ОБСА́ДКА *ж по гл.* **обсади́ть — обса́живать;** ~ **доро́г то́полем** йўлларнинг четларига (ёқаларига) терак экиш.

ОБСА́ЖИВАНИЕ *с по гл.* **обса́живать;** ~ **поле́й тутовником** дала атрофига тут экиш.

ОБСА́ЖИВАТЬ *несов. см.* **обсади́ть.**

ОБСА́ЛИВАТЬ I *несов. см.* **обсоли́ть.**

ОБСА́ЛИВАТЬ II *несов. см.* **обсоли́ть.**

ОБСА́ЛИТЬ *сов.* (*несов.* **обса́ливать** I) *что разг.* ҳамма ёғини мой қилмоқ, ёғ теккизиб ифлос қилмоқ, ёққа буламоқ; ~ **ру́ки** қўлни мой қилмоқ, қўлини ёққа (мойга) буламоқ.

ОБСАСЫВАТЬ *несов. см.* **обсоса́ть.**

ОБСАХАРИВАТЬ *несов. см.* **обсаха́рить.**

ОБСАХАРИВАТЬСЯ, -ается *несов.* 1 *см.* **обсаха́риться;** 2 *страд. от* **обсаха́ривать.**

ОБСАХА́РИТЬ *сов.* (*несов.* **обсаха́ривать**) *что* 1 *разг.* шакар сепмоқ, шакарга босмоқ, шакар қатлами билан қопламоқ; ~ **малину** малинага шакар сепмоқ; 2 *спец.* шакарга айлантирмоқ; ~ **крахма́л** крахмални шакарга айлантирмоқ.

ОБСАХА́РИТЬСЯ, -ится *сов.* (*несов.* **обсаха́риваться**) *разг.* шакар билан қопланмоқ, шакар боғламоқ.

ОБСЕВ *м с.-х.* 1 *по гл.* **обсе́ять** и **обсева́ть;** ~ **поле́й** далаларга уруғ сепиш; 2 *то же, что* **обсе́вок** 1.

ОБСЕВА́ТЬ *несов. см.* **обсе́ять** 1.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ОБСЕВ/ОК *м, р.* **-вка** *с.-х.* 1 экилмай қолган ер; 2 *мн.* **~ки** кепак; ✦ **не ~ок в по́ле** кам (ёмон) эмас; кам (ёмон) ери йўқ; **он не ~ок в по́ле** унинг бошқалардан нимаси кам (кам ери йўқ).

ОБСЕКА́ТЬ *несов. см.* **обсе́чь.**

ОБСЕКА́ТЬСЯ, -а́ется *несов.* 1 *см.* **обсе́чься;** 2 *страд. от* **обсека́ть.**

ОБСЕМЕНЕ́НИЕ *с* 1 *с.-х.* дон экиш, уруғ сепиш, уруғ сочиб (сепиб) қўйиш; 2 *бот.* уруғлаш.

ОБСЕМЕНИ́ТЬ *сов.* (*несов.* **обсеменя́ть**) *с.-х.* дон экмоқ, уруғ сепмоқ, уруғ сочиб қўймоқ, уруғ сепиб чиқмоқ.

ОБСЕМЕНИ́ТЬСЯ, -и́тся *сов.* (*несов.* **обсеменя́ться**) *бот.* уруғламоқ.

ОБСЕМЕНЯ́ТЬ *несов. см.* **обсемени́ть.**

ОБСЕМЕНЯ́ТЬСЯ, -я́ется *несов.* 1 *см.* **обсемени́ться;** 2 *страд. от* **обсеменя́ть.**

ОБСЕРВАТО́РИЯ *ж* обсерватория, расадхона.

ОБСЕРВАТО́РСК/ИЙ, -ая, -ое обсерваторияга оид, обсерватория...; **~ое обору́дование** обсерватория асбоб-ускуналари.

ОБСЕРВАЦИО́ННЫЙ, -ая, -ое *книжн.* кузатишга оид, кузатадиган, кузатиш учун хизмат қиладиган; кузатиш...; **~ пункт** кузатиш пункти.

ОБСЕ́РВАЦИЯ *ж книжн.* обсервация, кузатиш, қараб туриш, кўздан кечириш.

ОБСЕ́/СТЬ, -ся́дет *сов. кого-что разг.* 1 давра қуриб ўтирмоқ, атрофини қуршаб ўтирмоқ; **де́ти ~ли расска́зчика** болалар ҳикоячи атрофини қуршаб ўтирдилар; 2 ёпирилиб ўтирмоқ, қўнмоқ, босмоқ; **му́хи ~ли мёд** асалга пашшалар ёпирилди, асални пашша босди.

ОБСЕ́ЧКА *ж по гл.* **обсе́чь; ~ ветве́й** шохларни кесиб ташлаш, шохларни буташ; **~ брёвен** ходаларни чопиш.

ОБСЕ́ЧКИ *мн., р.* **-чек** *тех.* қирқилган бўлаклар, қирқиндилар; **желе́зные ~** темир қирқиндилар.

ОБСЕ́ЧЬ, -еку́, -ечёшь; -е́к, -екла́ *сов.* (*несов.* **обсека́ть**) *что* 1 кесиб ташламоқ; **~ су́чья** шохларни кесмоқ, бутамоқ; 2 *спец.* йўнмоқ, тарашламоқ; чопмоқ; **~ ба́лку** ёғочни йўнмоқ; **~ мра́мор** мармарни тарашламоқ.

ОБСЕ́ЧЬСЯ, -ечётся, -еку́тся; -е́кся, -екла́сь *сов.* (*несов.* **обсека́ться**) *разг.* синмоқ, узилмоқ, синиб тўкилмоқ (соч ҳақида); **от зави́вки во́лосы обсеклúсь** жингалак қилишдан сочлар тўкилди.

ОБСЕ́ЯТЬ *сов. что* 1 (*несов.* **обсева́ть**) дон экмоқ, уруғ сепмоқ; уруғ сочиб қўймоқ, уруғ сепиб чиқмоқ; **~ поля́** далаларга уруғ сепмоқ (сепиб, сочиб қўймоқ); 2 сепиб (сочиб) қопламоқ, бостирмоқ; **доро́ги, обсе́янные песко́м** қум сепилган кўчалар.

ОБСИДЕ́ТЬ, -ижу́, -иди́шь *сов. что прост.* ўтириверіб қулай (мос) қилиб қўймоқ; **~ кре́сло** креслони ўтириверіб қулай қилиб қўймоқ.

ОБСИДИА́Н *м* обсидиан (шишасимон вулканик тоғ жинси).

ОБСИДИА́НОВЫ/Й, -ая, -ое обсидианга оид; обсидиандан иборат бўлган; обсидиандан қилинган; обсидиан...; **~е изде́лия** обсидиандан қилинган буюмлар.

ОБСКА́ЗАТЬ, -ажу́, -а́жешь *сов.* (*несов.* **обска́зывать**) *что* и *без доп. прост.* ҳаммасини айтмоқ, батафсил ҳикоя қилмоқ, айтиб бермоқ, айтиб чиқмоқ; **~ всё, как бы́ло** воқеа қандай бўлган бўлса, шундай айтиб бермоқ.

ОБСКА́ЗЫВАТЬ *несов. см.* **обсказа́ть.**

ОБСКАКА́ТЬ, -ачу́, -а́чешь *сов.* (*несов.* **обска́кивать**) 1 *кого-что* от чопиб айланиб чиқмоқ, айланиб ўтмоқ; **~ посёлок** от чопиб қишлоқни айланиб чиқмоқ; 2 *кого-что* от чопиб ўзиб кетмоқ, қувиб ўтмоқ; **на ска́чках он обскака́л всех** пойгада у ҳаммадан ўзиб кетди; 3 *перен. кого прост.* бошқалардан ўтиб кетмоқ; **~ в учёнье това́рищей** ўқишда ўртоқларидан ўтиб кетмоқ; 4 *прост.* отда юриб кўп жойларда бўлмоқ, кўп жойларни от билан (отда) кезиб чиқмоқ; **~ все кишлаки́ райо́на** отда юриб районнинг ҳамма қишлоқларида бўлмоқ, районнинг ҳамма қишлоқларини от билан (отда) кезиб чиқмоқ.

ОБСКАКИВАТЬ *несов. см.* **обскака́ть.**

ОБСКУРА́НТ *м* обскурант, илм-маърифат душмани, жаҳолатпараст, реакционер.

ОБСКУРА́НТИЗМ *м* обскурантизм, илм-маърифатга душманлик, жаҳолатпарастлик, реакционерлик.

ОБСКУРАНТИ́СТСКИЙ, -ая, -ое обскурантизмга оид, жаҳолатпарастликдан иборат бўлган, обскурантизм руҳидаги, реакцион.

ОБСКУРА́НТСКИЙ, -ая, -ое обскурантларга оид, жаҳолатпарастларга хос бўлган.

ОБСЛЕ́ДОВАНИЕ *с по гл.* **обсле́довать; ~ рабо́ты учрежде́ния** идора ишларини текшириш; **медици́нское ~** соғлиғини текшириш; медицина кўриги; **пройти́ ~** соғлиғини текширтирмоқ; медицина кўригидан ўтмоқ.

ОБСЛЕ́ДОВАТЬ *сов.* и *несов.* 1 *что* текширмоқ, тафтиш қилмоқ; **~ состоя́ние дел** ишнинг аҳволини текширмоқ, тафтиш қилмоқ; 2 *кого-что* текширмоқ, диққат билан кўздан кечирмоқ, кўрикдан ўтказмоқ; **~ больно́го** беморни текширмоқ; **ребя́там не терпе́лось ~ ста́рый черда́к** болалар эски чердакни кўздан кечиришга ошиқардилар.

ОБСЛУ́ЖИВАНИ/Е *с по гл.* **обслу́живать; ~е покупа́телей** харидорларга хизмат кўрсатиш; **культу́ра ~я** хизмат қилиш (кўрсатиш) маданияти; **медици́нское ~е** медицина хизмати; **брига́да отли́чного ~я** аъло хизмат (кўрсатиш) бригадаси, аъло хизмат қилувчи бригада.

ОБСЛУ́ЖИВА/ТЬ *несов.* 1 (*сов.* **обслужи́ть**) *кого-что* хизмат қилмоқ (кўрсатмоқ); **~ть пассажи́ров** йўловчиларга хизмат кўрсатмоқ; **кто ~ет э́тот сто́лик?** бу столга ким хизмат қилади?; **в э́том кафе́ хорошо́ ~ют** бу кафеда яхши хизмат кўрсатишади; **на́ша столо́вая ~ет шко́льников** бизнинг ошхона мактаб болаларига хизмат қилади; 2 *что* -да ишламоқ, -ни бошқармоқ; **она́ ~ет сто станко́в** бу аёл юзта станокда ишлайди (юзта станокни бошқаради).

ОБСЛУЖИ́ТЬ, -ужу́, -у́жишь *сов. см.* **обслу́живать** 1.

ОБСЛЮНИ́ТЬ *сов. что разг.* тупукламоқ, тупук (сўлак) оқизиб ифлос қилмоқ; тупуклаб ҳўлламоқ; **~ ни́тку** ипни тупук билан ҳўлламоқ.

ОБСЛЮНЯВИ́ТЬ, -влю, -вишь *сов. что прост. то же, что* **обслюни́ть.**

ОБСМАТРИВАТЬ *несов. см.* **обсмотре́ть.**

ОБСМОТРЕ́ТЬ, -отрю́, -о́тришь *сов.* (*несов.* **обсма́тривать**) *кого-что, прост.* диққат билан кўздан кечирмоқ, қараб (кўриб) чиқмоқ; **~ дом со всех сторо́н** уйни ҳар томондан кўриб чиқмоқ, диққат билан кўздан кечирмоқ.

ОБСОЛИ́ТЬ, -олю́, -о́лишь и -оли́шь *сов.* (*несов.* **обса́ливать** II) ҳамма ёғига туз сепмоқ, туз сепиб чиқмоқ, яхшилаб тузламоқ; **~ ры́бу** балиққа туз сепмоқ, балиқни яхшилаб тузламоқ.

ОБСОСА́ТЬ *сов.* (*несов.* **обса́сывать**) *что* 1 ҳамма ёғидан шимимоқ, яхшилаб сўрмоқ, шимиб-шимиб битирмоқ; **~ конфе́ту** конфет шимимоқ; конфетни шимиб-шимиб битирмоқ; 2 *перен. прост.* ҳар томонлама текшириб кўрмоқ, ўйламоқ, атрофлича (миридан-сиригача) ўрганмоқ, ишлаб чиқмоқ; **~ происше́ствие** бўлган воқеани атрофлича ўрганмоқ, текширмоқ.

ОБСО́Х/НУТЬ, -ну, -нешь; -со́х, -ла *сов.* (*несов.* **обсыха́ть**) яхши (қоқ) қуримоқ; селгимоқ; **трава́ по́сле дожде́й ~ла** ёмғирдан кейин ўтлар селгиб қолди; **бельё ~ло** кир яхши қуриди; ✦ **молоко́ на губа́х не ~ло** она сути оғзидан кетмаган, ҳали ёш, гўдак.

ОБСТАВИ́ТЬ, -влю, -вишь *сов.* (*несов.* **обставля́ть**) 1 *кого-что* атрофига термоқ, қўймоқ, жойлаштирмоқ; атрофлаб ўрамоқ; у ер-бу ерига қўйиб безамоқ; **~ ко́мнату цвета́ми** уйни гуллар билан безамоқ; 2 *что* жиҳозламоқ; **~ кварти́ру** квартирани жиҳозламоқ; **~ кабине́т но́вой ме́белью** кабинетни янги мебель билан жиҳозламоқ; **но́вая постано́вка «Га́млета» обста́влена оригина́льно** «Гамлет» нинг янги постановкаси оригинал жиҳозланган эди; **доро́жка, обста́вленная берёзами** қайинлар билан ўралган йўлка; 3 *перен. что* ташкил қилмоқ, тўғриламоқ, уюштирмоқ; **ве́чер был обста́влен о́чень торже́ственно** кеча жуда тантанали уюштирилган (декорацияланган) эди; 4 *кого прост.* ўтиб кетмоқ, ўзиб кетмоқ, орқада қолдирмоқ, ютмоқ; 5 *кого прост.* алдамоқ, доғда қолдирмоқ; 6 *кого прост.* енгмоқ, ютмоқ, ғолиб (устун) чиқмоқ; **~ в префера́нс** преферансда ютмоқ.

ОБСТАВИ́ТЬСЯ, -влюсь, -вишься *сов.* (*несов.* **обставля́ться**) *разг.* 1 ўз атрофига қўймоқ, уймоқ, термоқ; атрофини бирор нарса билан ўрамоқ, тўлдирмоқ; **~ кни́гами** китоблар билан ўралмоқ; китобларга кўмилмоқ; 2 **уйини**

www.ziyouz.com kutubxonasi

жиҳозламоқ, бирор нарса билан тўлдирмоқ; ~ **ку́хонным гарниту́ром** ошхонани гарнитур билан жиҳозламоқ, ошхонасига гарнитур қўймоқ.

ОБСТАВЛЯ́ТЬ *несов. см.* **обста́вить.**

ОБСТАВЛЯ́ТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **обста́виться**; 2 *страд. от* **обставля́ть.**

ОБСТАНО́ВК/А *ж* 1 уй жиҳозлари, асбоб-анжомлари, мебели; **купи́ть но́вую ~у** янги уй жиҳозлари сотиб олмоқ; **измени́ть ~у в ко́мнате** хона жиҳозларини ўзгартирмоқ (янгиламоқ); 2 *театр.* саҳна анжомлари (декорация, бутафория ва б.); 3 аҳвол, шароит, вазият; **междунаро́дная ~а** халқаро аҳвол; **в ми́рной ~е** тинч шароитда; **в ~е вое́нного вре́мени** уруш вақти шароитида; **в тако́й ~е рабо́тать невозмо́жно** бундай (бунақа) шароитда ишлаб бўлмайди.

ОБСТАНО́ВОЧНЫЙ, -ая, -ое *театр.* 1 саҳна жиҳозларига оид; саҳна жиҳозлари...; 2 жиҳозлари бой, ҳашаматли, сержиҳоз; ~ **спекта́кль** жиҳозлари бой спектакль.

ОБСТИ́РАТЬ *сов.* (*несов.* **обсти́рывать**) *кого разг.* ҳамма кирини ювмоқ, ювиб-тараб парвариш қилмоқ; ~ **семью́** оиладаги ҳамма кирларни ювмоқ.

ОБСТИ́РЫВАТЬ *несов. см.* **обстира́ть.**

ОБСТОЯТЕ́ЛЬНО *нареч.* тафсилли равишда, бутун тафсилотлари билан, муфассал, батафсил, пухта, миридан-сиригача, синчиклаб; ~ **рассказа́ть о случи́вшемся** рўй берган воқеа ҳақида муфассал гапирмоқ; ~ **изучи́ть вопро́с** масалани батафсил ўрганмоқ, синчиклаб (миридан-сиригача) текширмоқ.

ОБСТОЯТЕ́ЛЬНЫЙ, -ая, -ое; -лен, -льна 1 бутун тафсилотлари билан қилинган, муфассал, батафсил, пухта; ~ **отчёт** батафсил ҳисобот; ~ **докла́д** муфассал доклад; 2 *разг.* мулоҳазали, бамаъни, пишиқ, синчков; **он челове́к** ~ у мулоҳазали киши; у синчков одам.

ОБСТОЯТЕ́ЛЬСТВЕННЫ/Й, -ая, -ое *грам.* ҳолга оид, ҳол билан ифодаланадиган; ҳол...; ~**е прида́точные предложе́ния** ҳол эргаш гаплар.

ОБСТОЯТЕ́ЛЬСТВ/О *с* 1 томон, жиҳат, ҳол; **смягча́ющие вину́ ~а** гуноҳни енгиллаштирадиган ҳоллар, жиҳатлар; **учёсть все ~а** ҳамма томонларни ҳисобга олмоқ; 2 *мн.* ~**а** шароит, вазият, аҳвол, ҳол; **случа́йные ~а** тасодифий ҳоллар; **при да́нных ~ах** ана шу шароитда, мавжуд шароитларда; **при любы́х ~ах** ҳар қандай шароитда (вазиятда) ҳам; қандай бўлса ҳам; **по семе́йным ~ам** оила шароитига (оиладаги аҳволга) кўра; 3 *грам.* ҳол; ~**о вре́мени** пайт ҳоли; ~**о ме́ста** ўрин ҳоли; ~**о о́браза де́йствия** равиш ҳоли; ✦ **смотря́** (или **гля́дя**) **по ~ам** шароитга (вазиятга) қараб.

ОБСТО/ЯТЬ, -ои́т *несов.* бирор ҳолда (аҳволда) бўлмоқ, бирор вазиятда бўлмоқ; **как ~и́т дела́?** ишлар қалай?; **всё ~и́т благополу́чно** ҳамма иш жойида; **де́ло ~и́т совсе́м ина́че** иш бутунлай бошқача.

ОБСТРАГИВАТЬ *несов. см.* **обстрога́ть.**

ОБСТРА́ИВАТЬ *несов. см.* **обстро́ить.**

ОБСТРАИВА́ТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **обстро́иться**; 2 *страд. от* **обстра́ивать.**

ОБСТРА́ЧИВАТЬ *несов. см* **обстрочи́ть.**

ОБСТРЕ́Л *м* отиш, ўққа тутиш, ўқ ёғдириш; **артиллери́йский ~** артиллериядан ўққа тутиш, тўплардан ўқ ёғдириш; **попа́сть под ~** ўқ ёмғири остида қолмоқ, ўқ ёмғирига дуч келмоқ; ✦ **брать (взять) под ~** қаттиқ танқид остига олмоқ, қаттиқ танқид қилмоқ.

ОБСТРЕ́ЛИВАТЬ *несов. см.* **обстреля́ть.**

ОБСТРЕ́ЛИВАТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **обстреля́ться**; 2 *страд. от* **обстре́ливать.**

ОБСТРЕ́ЛЯННЫЙ, -ая, -ое 1 *прич. от* **обстреля́ть**; 2 *в знач. прил.* урушни кўрган, жангда чиниққан, жангга ўрганиб қолган; ~ **солда́т** жангда чиниққан солдат.

ОБСТРЕЛЯ́/ТЬ *сов.* (*несов.* **обстре́ливать**) 1 *кого-что* ўққа тутмоқ, устига ўқ ёғдирмоқ; ~**ть из автома́тов** автоматлардан ўққа тутмоқ (ўқ ёғдирмоқ); **поли́ция ~ла демонстра́нтов** полиция намойишчиларни ўққа тутди; 2 *что* отиб кўрмоқ, отиб кўриб синамоқ; ~**ть винто́вку** милтиқни отиб кўрмоқ.

ОБСТРЕ́ЛЯТЬСЯ *сов.* (*несов.* **обстре́ливаться**) *разг.* урушни кўрмоқ, жангда чиниқмоқ, пишмоқ, жангга ўрганиб қолмоқ.

ОБСТРИГА́ТЬ *несов. см.* **обстри́чь.**

ОБСТРИГА́ТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **обстри́чься**; 2 *страд. от* **обстрига́ть.**

ОБСТРИ́ЧЬ, -игу́, -ижёшь; -и́г, -и́гла *сов. кого-что разг. то же, что* **остри́чь.**

ОБСТРИ́ЧЬСЯ, -игу́сь, -ижёшься; -и́гся, -и́гласъ *сов. разг. то же, что* **остри́чься.**

ОБСТРОГА́ТЬ *сов.* (*несов.* **обстра́гивать**) *что* ҳамма ёғини рандаламоқ, рандалаб чиқмоқ; ~ **до́ску** тахтанинг ҳамма ёғини рандаламоқ.

ОБСТРО/И́ТЬ *сов.* (*несов.* **обстра́ивать**) *что разг.* 1 атрофига (теварагига) иморатлар солмоқ, атрофини бинолар билан ўрамоқ; **о́зеро ~ено дома́ми колхо́зников** кўл атрофи колхозчиларнинг уйлари билан ўралган; 2 қурилишлар (иморатлар) билан тўлдирмоқ, обод қилмоқ; **го́род ~ен по но́вому пла́ну** шаҳарда янги планга мувофиқ иморатлар қурилган.

ОБСТРОИ/ТЬСЯ *сов.* (*несов.* **обстра́иваться**) *разг.* 1 уй (иморат) қуриб олмоқ; ~**ться на но́вом ме́сте** янги жойда уй (иморат) қуриб олмоқ; 2 уйлар (иморатлар) билан тўлмоқ, обод бўлмоқ, кўплаб уйлар, бинолар солинмоқ; **берега́ реки́ ~лись да́чами** дарё қирғоқлари дачалар билан тўлди, дарё соҳилларига кўплаб дачалар қурилди.

ОБСТРОЧИ́ТЬ, -очу́, -очи́шь и **-о́чишь** *сов.* (*несов.* **обстра́чивать**) *что* четини (теварагини) тикмоқ, четини ичига қайтариб тикмоқ, бостирмоқ; ~ **плато́к** рўмолнинг четларини бостирмоқ.

ОБСТРУГА́ТЬ *сов.* (*несов.* **обстру́гивать**) *разг. то же, что* **обстрога́ть.**

ОБСТРУГИВАТЬ *несов. см.* **обстрога́ть.**

ОБСТРУКЦИОНИ́ЗМ *м* обструкционизм, обструкция йўли билан курашиш.

ОБСТРУКЦИОНИ́СТ *м* обструкционист, обструкция тарафдори, қатнашчиси.

ОБСТРУКЦИОННЫ/Й, -ая, -ое обструкцияга оид, обструкцион, обструкцияга асосланган; ~**ая борьба́** обструкцион кураш.

ОБСТРУКЦИ/Я *ж* обструкция, қасддан бузиш (бирор йиғилишни, мажлисни, хусусан парламент мажлисларини, қасддан бузишга қаратилган ҳаракат; шовқин-сурон, ҳушгакбозлик, узундан-узоқ нутқ ва ҳ. к.); **парла́ментская ~я** парламент мажлисини қасддан бузиш; **устро́ить ~ю** обструкция қилмоқ, қасддан бузмоқ.

ОБСТРЯПА́ТЬ *сов.* (*несов.* **обстря́пывать**) *что прост.* ўринлатмоқ, дўндирмоқ, бопламоқ, тўғриламоқ, эпламоқ; ~ **вы́годное де́льце** фойдали ишни ўринлатмоқ.

ОБСТРЯПЫВАТЬ *несов. см.* **обстря́пать.**

ОБСТУПА́ТЬ, -а́ет *несов. см.* **обступи́ть.**

ОБСТУПИ/ТЬ, -у́пит *сов.* (*несов.* **обступа́ть**) *кого-что* 1 ўрамоқ, қуршамоқ, ўраб (қуршаб) олмоқ; ~**ть кольцо́м** давра олиб ўрамоқ; **де́ти ~ли учи́теля** болалар ўқитувчини ўраб олишди; **го́ры ~ли о́зеро** тоғлар кўлни ўраб олган; 2 *перен.* ўраб (қамраб) олмоқ, банд қилмоқ; **мы́сли о родны́х ~ли солда́та** тувғонлар ҳақидаги ўйлар солдат хаёлини қамраб олди.

ОБСУДИ́ТЬ, -ужу́, -у́дишь *сов.* (*несов.* **обсужда́ть**) *что* муҳокама (музокара) қилмоқ, фикрлашиб (маслаҳатлашиб) олмоқ, ўйлашиб кўрмоқ; ~ **вопро́с об о́тпуске** отпуска ҳақида ўйлашиб кўрмоқ, отпуска масаласини муҳокама қилмоқ; **э́то де́ло сле́дует ~ серьёзно** бу ишни жиддий ўйлаб кўрмоқ лозим.

ОБСУЖДА́ТЬ *несов. см.* **обсуди́ть.**

ОБСУЖДЕ́НИ/Е *с* муҳокама, музокара, ўйлашиб кўриш, маслаҳатлашиш; **поста́вить на ~е** муҳокамага қўймоқ; **приня́ть уча́стие в ~и** муҳокамада қатнашмоқ; **предме́т ~я** муҳокама мавзуи, муҳокама қилинадиган нарса, масала.

ОБСУШИВАТЬ *несов. см.* **обсуши́ть.**

ОБСУШИВАТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **обсуши́ться**; 2 *страд. от* **обсу́шивать.**

ОБСУШИ́ТЬ, -ушу́, -у́шишь *сов.* (*несов.* **обсу́шивать**) *что* қуритмоқ, яхшилаб қуритиб олмоқ; ~ **промо́кшую о́бувь** ҳўл бўлган оёқ кийимни қуритмоқ (қуритиб олмоқ).

www.ziyouz.com kutubxonasi

ОБСУ́ШИТЬСЯ, -ушу́сь, -у́шишься *сов.* (*несов.* **обсу́шиваться**) ўзини, кийим-бошини қуритмоқ; ўзини, кийим-бошини қуритиб олмоқ; ~ **у костра́** гулхан атрофида уст-бошини қуритиб олмоқ.

ОБСУ́ШКА *ж* қуритиш; ~ **кирпича́** ғишт қуритиш.

ОБСЧЁТ *м разг. по гл.* **обсчита́ть**; ~ **покупа́телей** харидорларни ҳисобда алдаш.

ОБСЧИТА́ТЬ *сов.* (*несов.* **обсчи́тывать**) ҳисобда алдамоқ, кам ҳисобламоқ, кам бермоқ; **его́** ~**ли на рубль** уни бир сўмга алдадилар (алдашибди).

ОБСЧИТА́ТЬСЯ *сов.* (*несов.* **обсчи́тываться**) ҳисобда янглишмоқ, адашмоқ; ~ **на пять рубле́й** ҳисобда беш сўмга янглишмоқ, беш сўм янглиш ҳисобламоқ.

ОБСЧИ́ТЫВАТЬ *несов. см.* **обсчита́ть.**

ОБСЧИ́ТЫВАТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **обсчита́ться**; 2 *страд. от* **обсчи́тывать.**

ОБСЫ́ПА/ТЬ, -плю, -плешь *сов.* (*несов.* **обсыпа́ть**) 1 *то же, что* **осы́пать** 1, 2, 5; 2 *безл. прост.* тошмоқ, тошиб кетмоқ (қизилча, тошма ва ш. к. ҳақида); **лицо́ ребёнка** ~**ло** боланинг юзига нарса тошди (тошибди).

ОБСЫ́ПАТЬ, -а́ю, -а́ешь *несов. см.* **обсы́пать.**

ОБСЫ́ПАТЬСЯ, -плется *сов.* (*несов.* **обсыпа́ться**) *то же, что* **осы́паться.**

ОБСЫПА́ТЬСЯ, -а́ется *несов.* 1 *см.* **обсы́паться**; 2 *страд. от* **обсыпа́ть.**

ОБСЫХА́ТЬ *несов. см.* **обсо́хнуть.**

ОБТАИВАТЬ, -ает *несов. см.* **обта́ять.**

ОБТАПТЫВАТЬ *несов. см.* **обтопта́ть.**

ОБТАЧА́ТЬ *сов.* (*несов.* **обта́чивать** I) бахялаб тикмоқ, тепчимоқ; бахялаб (тепчиб) чиқмоқ; ~ **загото́вки сапо́г** этик танаворларини тикмоқ.

ОБТА́ЧИВАНИЕ I *с по гл.* **обта́чивать** I.

ОБТА́ЧИВАНИЕ II *с по гл.* **обта́чивать** II; ~ **ка́мня** тошни йўниб текислаш, тарашлаш.

ОБТА́ЧИВАТЬ I *несов. см.* **обтача́ть.**

ОБТА́ЧИВАТЬ II *несов.* **обточи́ть.**

ОБТА́Я/ТЬ, -а́ет *сов.* (*несов.* **обта́ивать**) атрофлаб (атрофидан) эримоқ, эрий бошламоқ; эриб муздан тушмоқ; эриб тамом бўлмоқ, эриб кетмоқ; эриб тозаланмоқ; **льди́на** ~**ла** муз парчаси эриб кетди; **доро́ги** ~**ли** қор-муз эриб, йўллар тозаланди; йўллардаги қор-муз эриб кетди.

ОБТЕКА́ЕМОСТЬ *ж* 1 *спец.* суйрилик; ~ **самолёта** самолётнинг суйрилиги (шаклининг кам қаршиликка учрайдиган бўлиши); 2 *перен. разг.* силлиқлик, қаттиқ тегмайдиганлик, оғир ботмайдиганлик, жўялилик; ~ **отве́та** жавобнинг силлиқлиги.

ОБТЕКА́ЕМ/ЫЙ, -ая, -ое 1 *спец.* суйри, сигир қуйруқ, балиқ сирти (ҳаво, суюқлиқ оз қаршилик кўрсатадиган шаклдаги); ~**ая фо́рма су́дна** кеманинг суйри шакли; 2 *перен. разг.* силлиқ, қаттиқ тегмайдиган, оғир ботмайдиган, жўяли; ~**ый отве́т** силлиқ жавоб.

ОБТЕКА́ТЕЛЬ *м тех.* обтекатель (суйри деталь).

ОБТЕКА́ТЬ *несов. см.* **обте́чь.**

ОБТЕРЕ́ТЬ, оботру́, оботрёшь; -тёр, -тёрла *сов.* (*несов.* **обтира́ть**) 1 *кого-что* яхшилаб артмоқ, артиб тозаламоқ, қуритмоқ, артиб ташламоқ; ~ **пот с лица́** юздаги терни артиб ташламоқ; 2 *кого-что* бирор суюқлиқ билан ювмоқ, артиб тозаламоқ; ~ **ру́ки спи́ртом** қўлни спирт билан ювмоқ (тозаламоқ); 3 *что разг.* едирмоқ, силлиқламоқ, сийқа қилиб юбормоқ; ~ **подмётки** тагчармни едириб (силлиқлаб) юбормоқ.

ОБТЕРЕ́ТЬСЯ, оботру́сь, оботрёшься; -тёрся, -тёрлась *сов.* (*несов.* **обтира́ться**) 1 артинмоқ, юз-қўлини, баданини артмоқ, артиб қуритмоқ; ~ **полоте́нцем** сочиқ билан артинмоқ; 2 баданига бирор суюқлиқ суртиб, ишқаламоқ; ~ **спи́ртом** баданига спирт суртиб ишқаламоқ, бадашини спирт билан ишқаламоқ; 3 *разг.* ишқаланавериб едирилмоқ, титилмоқ, сийқаланмоқ, сийқа бўлиб кетмоқ, тақири чиқмоқ; **рукава́ обтёрлись** енгларнинг тақири чиқиб кетибди; 4 *перен. разг.* ўрганиб (эликиб) кетмоқ, ўзиники бўлиб кетмоқ, ўзиники қилиб олмоқ, эликишмоқ; **он обтёрся в го́роде** у шаҳарлик бўлиб кетибди, у шаҳарни ўзиники қилиб олибди; у шаҳарликлар орасида ўзиники бўлиб кетибди.

ОБТЕРПЕ́ТЬСЯ, -ерплю́сь, -е́рпишься *сов. разг.* кўникмоқ, ўрганиб қолмоқ.

ОБТЁРТЫЙ, -ая, -ое 1 *прич. от* **обтере́ть**; 2 *в знач. прил.* ишлатилавериб титилган, титилиб, сийқаси (тақири) чиқиб кетган; ~ **плащ** тақири чиққан плашч.

ОБТЕСА́ТЬ, -ешу́, -е́шешь *сов.* (*несов.* **обтёсывать**) 1 *что* йўнмоқ, тарашламоқ, ҳамма ёғини йўниб (ёки тарашлаб, чопиб) текисламоқ; ~ **ба́лку** тўсинни йўниб (чопиб) текисламоқ; ~ **ка́мень** тошни тарашлаб текисламоқ; 2 *перен. кого-что разг.* адаб бермоқ, юриш-туришни, муомалани ўргатмоқ.

ОБТЕСА́ТЬСЯ, -ешу́сь, -е́шешься *сов.* (*несов.* **обтёсываться**) *разг.* адаб олмоқ, юриш-туришни, муомалани ўрганмоқ, дуппа-дуруст (одобли) бўлиб қолмоқ.

ОБТЁСКА *ж по гл.* **обтеса́ть** 1; ~ **брёвен** ходаларни йўниш, чопиш.

ОБТЁСЫВАНИЕ *с по гл.* **обтёсывать**; ~ **доско́к** тахталарни текислаш.

ОБТЁСЫВАТЬ *несов. см.* **обтеса́ть.**

ОБТЁСЫВАТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **обтеса́ться**; 2 *страд. от* **обтёсывать.**

ОБТЕЧЬ, -ечёт, -еку́т; -ёк, -екла́ *сов.* (*несов.* **обтека́ть**) *кого-что* и *вокруг кого-чего* 1 атрофидан (айланиб) оқмоқ, ёнидан оқиб ўтмоқ, оқиб ўтиб кетмоқ; **вода́ обтекла́ скалу́** сув қоя атрофидан айланиб ўтган (айланиб оқади); 2 *перен.* атрофлаб (четлаб) ўтмоқ, четда қолдириб ўтиб кетмоқ; **та́нки обтекли́ фланг** танклар ён томондан айланиб (четлаб) ўтди.

ОБТИ́РАНИЕ *с* 1 *по гл.* **обтира́ть** и **обтира́ться**; 2 баданни ҳўллаб артиш, ишқалаш ва шу мақсадда ишлатиладиган суюқлиқ.

ОБТИРА́ТЬ *несов. см.* **обтере́ть.**

ОБТИРА́ТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **обтере́ться**; 2 *страд. от* **обтира́ть.**

ОБТИ́РОЧНЫЙ, -ая, -ое тозалаш (артиш) учун ишлатиладиган; ~ **материа́л** тозалаш (артиш) учун ишлатиладиган материал (латта, пахта ва ш. к.).

ОБТОПТА́ТЬ, -опчу́, -о́пчешь *сов.* (*несов.* **обта́птывать**) *что* топтамоқ, тепкиламоқ, оёқ ости қилмоқ, пайҳон қилмоқ, босиб (босиб-янчиб) ташламоқ; ~ **траву́** ўтларни босиб ташламоқ, кўкатни пайҳон қилмоқ.

ОБТОЧИ́ТЬ, -очу́, -о́чишь *сов.* (*несов.* **обта́чивать** II) *что* 1 йўнмоқ, йўниб маълум шаклга келтирмоқ (токарлик станогида); ~ **дета́ль** детални йўнмоқ; 2 чархламоқ, тарашламоқ, эговламоқ; чархлаб (ёки тарашлаб, эговлаб) шакл бермоқ, силлиқламоқ; ~ **пове́рхность** сиртини чархлаб силлиқламоқ, текисламоқ.

ОБТО́ЧКА *ж по гл.* **обточи́ть**; ~ **дета́лей** деталларни йўниш.

ОБТО́ЧНЫЙ, -ая, -ое йўнадиган; йўниш ..; ~ **стано́к** йўниш станоги.

ОБТРЕ́ПАННЫЙ, -ая, -ое 1 *прич. от* **обтрепа́ть**; 2 *в знач. прил.* йиртиқ-сиртиқ, йиртилган, тўзиган, ситилган, жулдур; ~ **костю́м** йиртиқ-сиртиқ костюм; 3 *в знач. прил.* уст-боши эски, тўзган, жулдурвоқи.

ОБТРЕПА́ТЬ, -еплю́, -е́плешь *сов.* (*несов.* **обтрёпывать**) *что* кийиб эскиртмоқ, тўздирмоқ, йиртмоқ, титиғини чиқармоқ; ~ **рукава́** енгларни эскиртирмоқ, енгларнинг титиғини чиқариб юбормоқ.

ОБТРЕПА/ТЬСЯ, -е́плется *сов.* (*несов.* **обтрёпываться**) йиртилмоқ, тўзмоқ, эскирмоқ, титилиб (титиғи, увадаси чиқиб) кетмоқ; **брю́ки** ~**лись** шимнинг увадаси чиқиб кетди.

ОБТРЁПЫВАТЬ *несов. см.* **обтрепа́ть.**

ОБТРЁПЫВАТЬСЯ, -ается *несов. см.* **обтрепа́ться.**

ОБТРЯСТИ́ *сов. что* силкитмоқ, қоқмоқ, батамом силкиб (қоқиб) туширмоқ; қоқиб олмоқ; ~ **оре́х** ёнғоқни қоқиб олмоқ.

ОБТЫКА́ТЬ *сов.* (*несов.* **обтыка́ть**) *что разг.* атрофига нарса қадаб (суқиб, қоқиб) ўрамоқ, қўймоқ, чиқмоқ; ~ **око́п зелёными ветвя́ми** окоп атрофига кўм-кўк шохларни суқиб қўймоқ.

ОБТЫКА́ТЬ *несов. см.* **обты́кать.**

ОБТЯГИВАТЬ *несов. см.* **обтяну́ть.**

www.ziyouz.com kutubxonasi

ОБТЯГИВАТЬСЯ, -ается *несов.* 1 *см.* **обтяну́ться; 2** *страд. от* **обтя́гивать.**

ОБТЯЖК/А *ж* 1 *по гл.* **обтяну́ть — обтя́гивать; ~а ме́бели** мебелларни қоплаш; 2 жилд, қоплама; **ко́жаная ~а** чарм қоплама; ✦ **в ~у** баданга (гавдага) ёпишиб турадиган, танани сиқиб турадиган, хипча; **пла́тье в ~у** баданга (гавдага) ёпишиб турадиган кўйлак.

ОБТЯЖН/ОЙ, -а́я, -о́е 1 қоплаш (сириш) учун хизмат қиладиган, белгиланган; қоплаш...; сириш...; **~о́й стано́к** қоплаш станоги; 2 қоплама, сирма; **~ы́е пу́говицы** қоплама тугмалари.

ОБТЯНУ/ТЬ *сов.* (*несов.* **обтя́гивать**) 1 *что* қопламоқ, сирмоқ; **~ть дива́н ко́жей** диванга чарм сирмоқ, диванни чарм билан қопламоқ; 2 *кого-что* ёпишиб турмоқ, сиқиб турмоқ; **перча́тки ~ли па́льцы** қўлқоп бармоқларга ёпишиб тушди; **пла́тье ~ло фигу́ру** кўйлак танага ёпишиб (гавдани сиқиб) турибди.

ОБТЯНУ́ТЬСЯ, -я́нется *сов.* (*несов.* **обтя́гиваться**) *разг.* 1 қопланмоқ, ўраб олинмоқ; 2 озиб сўппайиб қолмоқ, сўппаймоқ, киртаймоқ.

ОБТЯ́ПАТЬ *сов.* (*несов.* **обтя́пывать**) *прост.* 1 *что* наридан-бери бажармоқ, юмалоқ-ясси (қўполдан-қўпол) қилиб ясамоқ; 2 *перен. что* ўринлатмоқ, дўндирмоқ; **~ де́льце** ишни дўндирмоқ; 3 *перен. кого* алдамоқ, фириб бермоқ, бопламоқ, туширмоқ.

ОБТЯ́ПЫВАТЬ *несов. см.* **обтя́пать.**

ОБУВА́ТЬ *несов. см.* **обу́ть; ✦ ~ и одева́ть** бош-оёқ кийинтирмоқ, кийим-кечак билан таъминламоқ.

ОБУВА́ТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **обу́ться; 2** *страд. от* **обува́ть.**

ОБУВН/ОЙ, -а́я, -о́е оёқ кийимига оид, оёқ кийим тайёрлайдиган; пойабзал...; **~а́я фа́брика** пойабзал фабрикаси; **~о́й магази́н** пойабзал магазини.

ОБУГЛИВАНИЕ *с* куйиб кўмирга айланиш; куйдириб кўмирга айлантириш.

ОБУГЛИВАТЬ *несов. см.* **обу́глить.**

ОБУГЛИВАТЬСЯ, -ается *несов.* 1 *см.* **обу́глиться; 2** *страд. от* **обу́гливать.**

ОБУГЛИ́ТЬ *сов.* (*несов.* **обу́гливать**) *что* куйдириб сиртини кўмирга айлантирмоқ, кўмир қилиб қўймоқ.

ОБУГЛИ/ТЬСЯ, -ится *сов.* (*несов.* **обу́гливаться**) куйиб сирти кўмирга айланмоқ; **доска́ ~лась** тахтанинг чети куйиб кўмир бўлди.

ОБУЖИВАТЬ *несов. см.* **обу́зить.**

ОБУЗ/А *ж* оғир юк, ортиқча ташвиш, дахмаза, дардисар, тирик товон; **быть ~ой** *для кого-л.* или **быть в ~у** *кому* бировга оғир юк (ташвиш, дардисар) бўлмоқ, малолланиб қолтирмоқ; **взять на себя́ ~у** ўзига ташвиш (дардисар) орттирмоқ.

ОБУЗДАТЬ *сов.* (*несов.* **обу́здывать**) 1 *кого* юганламоқ, жиловламоқ, юган урмоқ, жилов солмоқ; **~ коня́** отни жиловламоқ; отга юган солмоқ; 2 *перен. кого-что* жиловламоқ, бўйсундирмоқ, қўлга олмоқ, тиймоқ, босмоқ; жиловини тортиб қўймоқ; **~ себя́** ўзини босмоқ (тиймоқ); ўзини қўлга олмоқ; **~ я́рость** ғазабини босмоқ (ютмоқ); **~ во́ды Ва́хша** Вахш дарёсини жиловламоқ.

ОБУЗДЫВАТЬ *несов. см.* **обуздать.**

ОБУЗИТЬ, обу́жу, обу́зишь *сов.* (*несов.* **обу́живать**) *что* торайтирмоқ, тор қилиб қўймоқ; **~ костю́м** костюмни тор қилиб қўймоқ; **пальто́ обу́жено** пальто тор тикилибди, тор қилиб қўйилибди.

ОБУРЕВА/ТЬ, -а́ет *несов. кого* изтиробга солмоқ, ичини кемирмоқ, тимдаламоқ; бутун вужудини қамраб олмоқ, фикр-хаёлини банд қилмоқ; **его́ ~ли сомне́ния** шубҳа-гумонлар унинг ичини кемирар эди; **[Воло́дю] ~ла жа́жда де́ятельности** (Березко) [Володянинг] фикр-хаёлини ишлаш (фаолият кўрсатиш) иштиёқи банд қилиб олган эди.

ОБУСЛО́В/ИТЬ, -влю, -вишь *сов.* (*несов.* **обусло́вливать**) *что* 1 шарт қилмоқ, шарт (қилиб) қўймоқ, писанда қилмоқ; **~ить своё уча́стие** *чем-л.* ўзининг қатнашиши учун бирор нарсани шарт қилиб қўймоқ; 2 сабаб бўлмоқ, таъминламоқ, юзага келтирмоқ; **успе́х ~лен упо́рным трудо́м** қунт билан қилинган меҳнат муваффақиятни таъминлади; **муваффақиятнинг сабаби қунт билан қилинган меҳнат бўлди; его́ нея́вка ничём не ~лена** унинг келмаслигига (келмаганлигига) ҳеч қандай сабаб йўқ.

ОБУСЛОВЛЕННОСТЬ *ж* шартланганлик; ўзаро (ёки бирор нарсага) боғланганлик, бир-бирига (ёки бирор нарсага) боғлиқлик; **~ явле́ний** ҳодисаларнинг ўзаро боғлиқлиги.

ОБУСЛО́ВЛИВАТЬ и **ОБУСЛА́ВЛИВАТЬ** *несов. см.* **обусло́вить.**

ОБУСЛО́ВЛИВА/ТЬСЯ и **ОБУСЛАВЛИВАТЬСЯ, -ается** *несов.* боғлиқ равишда (сабабли, туфайли) келиб чиқмоқ, боғлиқ бўлмоқ; **э́то ~ется ря́дом причи́н** бу бир қанча сабабларга боғлиқ.

ОБУ́Т/ЫЙ, -ая, -ое 1 *прич. от* **обу́ть; ~ый в сапоги́** этик кийган; 2 *в знач. прил.* оёғи бут, оёқ кийими бор; **он оде́т и ~** унинг уст-боши бут.

ОБУ́ТЬ *сов.* (*несов.* **обува́ть**) 1 *кого-что* пойабзал кийгизмоқ, оёқ кийимини кийгизиб қўймоқ; **~ ребёнка** болага пойабзал кийгизмоқ; 2 *что* оёғига бирор нарса кийиб олмоқ, киймоқ; **~ ва́ленки** пийма киймоқ, оёғига пийма кийиб олмоқ; 3 *кого-что разг.* оёқ кийим билан таъминламоқ; **~ дете́й** болаларни оёқ кийим билан таъминламоқ; **на́ша фа́брика мо́жет ~ всю о́бласть** фабрикамиз бутун ўлкани пойабзал билан таъминлай олади.

ОБУ́ТЬСЯ *сов.* (*несов.* **обува́ться**) 1 пойабзал киймоқ, оёғига бирор нарса кийиб олмоқ; **~ в босоно́жки** босоножка киймоқ, босоножка кийиб олмоқ; 2 оёғига пойабзал сотиб олмоқ.

ОБУХ и **ОБУ́Х** *м* муҳра; **~ топора́** болтанинг муҳраси; ✦ **как (то́чно, бу́дто) ~ом по голове́** худди (қўққисдан) бошга мушт тушгандек (ҳайратомуз бир иш) бўлди, одам ҳанг-манг бўлиб қолди.

ОБУЧА́ТЬ *несов. см.* **обучи́ть.**

ОБУЧА́/ТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **обучи́ться; 2** ўқимоқ, маълумот (билим) олмоқ, таҳсил кўрмоқ; **~ться в шко́ле** мактабда ўқимоқ; **он ~ется в Москве́** у Москвада ўқийди; 3 *страд. от* **обуча́ть.**

ОБУЧЕ́НИЕ *с по гл.* **обучи́ть — обуча́ть и обучи́ться — обуча́ться; дошко́льное ~** мактабгача таълим; **в э́той шко́ле ~ ведётся на англи́йском языке́** бу мактабда ўқиш-ўқитиш инглиз тилида олиб борилади; **~ стрельбе́** отишни ўргатиш.

ОБУЧЕННЫЙ, -ая, -ое 1 *прич. от* **обучи́ть; 2** *в знач. прил.* таълим олган, ўқиган, ўрганган; ўргатилган; **~ солда́т** ўргатилган солдат.

ОБУЧИ́ТЬ, -учу́, -у́чишь *сов.* (*несов.* **обуча́ть**) *кого, чему* или *с неопр.* ўқитмоқ, ўргатмоқ, таълим бермоқ; **~ гра́моте** ўқиш-ёзишни ўргатмоқ, хат-савод ўргатмоқ; **~ му́зыке** музика ўргатмоқ; музикадан таълим бермоқ; **~ игре́ в ша́хматы** шахмат ўйнашни ўргатмоқ; **~ иностра́нным языка́м** чет тилларини ўргатмоқ.

ОБУЧИ́/ТЬСЯ, -учу́сь, -у́чишься *сов.* (*несов.* **обуча́ться**) *чему* или *с неопр.* ўрганмоқ, ўқитмоқ, таълим олмоқ; **~ться вышива́нию** кашта тикишни ўрганмоқ; **он ~лся столя́рному ремеслу́** у дурадгорлик касбини ўрганди (эгаллади).

ОБУЯ/ТЬ, -я́ет *сов. что* вужудини ўраб (қамраб) олмоқ, қопламоқ, босмоқ, ўзига тортмоқ, жалб қилмоқ; **его́ ~л страх** вужудини қўрқув қамраб олди, уни ваҳима босди; **де́тское весе́лье ~ло нас всех** болаларнинг қувончи ҳаммамизни ўзига тортди (ҳаммамизга ўтди).

ОБХА́ЖИВАТЬ *сов. кого разг.* хушомад қилмоқ; хушомадгўйлик (мулозамат) қилмоқ, атрофида гирди-капалак бўлмоқ.

ОБХА́ИВАТЬ *несов. см.* **обха́ять.**

ОБХАМИ́ТЬ, -млю́, -ми́шь *сов. кого прост.* дағал муомала билан хафа қилмоқ, ерга қормоқ, таҳқирламоқ, ҳақорат қилмоқ; **~ покупа́теля** харидорни ҳақорат қилмоқ, таҳқирламоқ.

ОБХА́ЯТЬ *сов.* (*несов.* **обха́ивать**) *то же, что* **оха́ять**

ОБХВА́Т *м* 1 *разг.* қучоқлаш, қучоққа олиш; 2 қучоқ, қулоч; **де́рево в два ~а** йўғонлиги икки қулоч (икки қулоч йўғонликдаги) дарахт.

ОБХВАТА́ТЬ *сов. что разг.* ушлайвериб (қўл тегизаверириб) кир қилмоқ, доғ-дуғ қилиб юбормоқ; **занаве́ска обхва́тана** дарпарданинг ҳамма ёғига қўл тегибди (ҳамма ёғи қўл урилиб доғ-дуғ бўлиб кетибди).

www.ziyouz.com kutubxonasi

ОБХВАТИТЬ, **-ачу́**, **-а́тишь** *сов.* (*несов.* **обхва́тывать**) *то же, что* **охвати́ть**.

ОБХВАТЫВАТЬ *несов. см.* **обхвати́ть**.

ОБХО́Д *м* 1 *по гл.* **обходи́ть**; ~ **посто́в** постларни айланиб чиқиш; ~ **врачей́** врачларнинг касалларни кўриб, айланиб чиқиши; ~ **проти́вника** душманнинг ён (ёки орқа) томонидан айланиб ўтиш; 2 айланиб ўтиладиган йўл, айланма йўл; **идти́ в** ~айланиб ўтмоқ, айланма йўл билан юрмоқ; ✦ **в** ~1) айланиб, четлаб, чап бериб; 2) риоя қилмасдан, хилоф равишда, четлаб; **де́йствовать в ~ зако́на** қонунга хилоф иш тутмоқ; 3) *воен.* ён томонидан (ёки орқасидан) келиб, ўтиб; **дви́нуться в ~ неприя́телю** душманнинг ён томонидан айланиб ўтиш; душманни ён томонидан айланиб ўтиб қуршаш.

ОБХОДИ́ТЕЛЬНОСТЬ *ж* хушмуомалалик, мулойимлик, сермулозаматлик, сертакаллуфлик; ~ **в обраще́нии** муомаладаги мулойимлик.

ОБХОДИ́ТЕЛЬНЫЙ, **-ая**, **-ое**; **-лен**, **-льна** хушмуомала, муомалали, мулойим, сермулозамат, сертакаллуф, такаллуфли, сулукатли; ~ **челове́к** хушмуомала одам.

ОБХОДИ́ТЬ, **-ожу́**, **-о́дишь** *несов. см.* **обойти́**.

ОБХОДИ́ТЬСЯ, **-ожу́сь**, **-о́дишься** *несов.* 1 *см.* **обойти́сь**; 2 *страд. от* **обходи́ть**.

ОБХО́ДН/ЫЙ, **-ая**, **-ое** и **ОБХОДН/О́Й**, **-а́я**, **-о́е** 1 *воен.* айланиб ўтишга мўлжалланган, айланиб қуршаб олишга қаратилган, шу мақсадда қилинган; ~**ый манёвр** айланиб ўтиш (қуршаб олиш) учун қилинган манёвр; ~**о́е движе́ние** айланиб ўтиш, ўраб (қуршаб) олиш учун юриш; 2 айланма; **идти́ ~ым путём** айланма йўлдан бормоқ; 3 *перен.* ҳийла-тадбир билан қилинадиган, чап бериб ўтадиган; **иска́ть ~ый путь** ҳийла-тадбир ишлатмоқ, чап бериш йўлини ахтармоқ; ✦ **~о́й лист** қарзи йўқлик варақаси (ишдан бўшашда, отпускага кетишда тўлдирилади).

ОБХО́ДЧИК *м* обходчи, назоратчи; **лине́йный ~** линия обходчиси, линия назоратчиси; **путево́й ~** йўл обходчиси, назоратчиси.

ОБХОЖДЕ́НИЕ *с* муомала, мулозамат; манзират, сулукат, такаллуф; **ве́жливое ~** хушмуомала, мулойимлик; **уме́лое ~ с детьми́** болалар билан муомалани билиш, болаларга моҳирлик билан муомалада бўлиш; болалар билан тил топиши.

ОБХОХА́ТЫВАТЬСЯ *несов. см.* **обхохота́ться**.

ОБХОХОТА́ТЬСЯ, **-очу́сь**, **-о́чешься** *сов.* (*несов.* **обхоха́тываться**) *разг.* роса кулмоқ; хахолаб (қаҳ-қаҳ уриб) кулмоқ; кула-кула ичаги узилмоқ.

ОБЧЕ́СТЬ, **обочту́**, **обочтёшь**; **обчёл**, **обочла́** *сов. разг. то же, что* **обсчита́ть**.

ОБЧЕ́СТЬСЯ, **обочту́сь**, **обочтёшься**; **обчёлся**, **обочла́сь** *сов. разг. то же, что* **обсчита́ться**; ✦ **раз, два** (или **оди́н, друго́й**) **и обчёлся** жуда оз, бармоқ билан санарли.

ОБЧИ́СТИТЬ, **-и́щу**, **-и́стишь** *сов.* (*несов.* **обчища́ть**) 1 *кого-что* тозаламоқ, топ-тоза қилмоқ, артиб-суртиб қўймоқ; ~ **рабо́чую оде́жду** коржомани тозаламоқ; 2 *что разг.* арчмоқ, пўстини тозаламоқ; ~ **гру́шу** нокни арчмоқ; 3 *перен. кого-что прост.* бор-йўғини ўғирламоқ, шип-шийдам қилмоқ, шипириб кетмоқ; бор-йўғини ютиб олмоқ, шилмоқ (қиморда).

ОБЧИ́СТИТЬСЯ, **-и́щусь**, **-и́стишься** *сов.* (*несов.* **обчища́ться**) *разг.* ўз кийимини, уст-бошини тозаламоқ; ~ **от пы́ли** чангдан тозаланмоқ, чангини қоқмоқ.

ОБЧИЩА́ТЬ *несов. см.* **обчи́стить**.

ОБЧИЩА́ТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **обчи́ститься**; 2 *страд. от* **обчища́ть**.

ОБША́РИВАТЬ *несов. см.* **обша́рить**.

ОБША́РИ/ТЬ *сов.* (*несов.* **обша́ривать**) *кого-что разг.* ҳамма ёқни тимирскиламоқ, айланиб (тит-пит қилиб) қидирмоқ, ахтармоқ, изламоқ, қидириб (титкилаб) қарамоқ, тинтиб (титкилаб) чиқмоқ; ~**ть карма́ны** чўнтакларни қидириб қарамоқ, чўнтакларни тимирскиламоқ; ~**ть весь дом** бутун уйни айланиб қидирмоқ, қидириб бутун уйни тит-пит қилмоқ, тинтиб чиқмоқ; ...[**разбо́йники**]... **~ли всего́ ба́тюшку и да́же сапоги́ с него́ сня́ли** (Чехов)... [қароқчилар] отамнинг ҳамма ёғини тимирскилаб **чиқдилар, ҳатто этигини** ҳам **ечиб** олдилар.

ОБША́РКАННЫЙ, **-ая**, **-ое** *разг.* 1 *прич. от* **обша́ркать**; 2 *в знач. прил.* тутилавериб (кийилавериб, босилавериб) эскирган, титилган, титиғи (тақири, сийқаси) чиққан; ~ **ковёр** титиғи (тақири) чиққан гилам; ~ **парке́т** сийқаси чиқиб кетган паркет.

ОБША́РКАТЬ *сов.* (*несов.* **обша́ркивать**) *что разг.* тутавериб (кияверіб) эскиртирмоқ, титиғини (тақирини, сийқасини) чиқармоқ; ~ **пол** юравериб полнинг сийқасини чиқармоқ.

ОБША́РКИВАТЬ *несов. см.* **обша́ркать**.

ОБША́РПАННЫЙ, **-ая**, **-ое** *разг.* 1 *прич. от* **обша́рпать**; 2 *в знач. прил.* йиртилган, титиғи, увадаси чиққан; ~ **дива́н** эскириб титиғи (увадаси) чиққан диван.

ОБША́РПАТЬ *сов.* (*несов.* **обша́рпывать**) *что прост.* эскиртириб юбормоқ, титиб юбормоқ, титиғини (увадасини) чиқармоқ; ~ **кре́сло** креслонинг титиғини (увадасини) чиқартиб юбормоқ.

ОБША́РПЫВАТЬ *несов. см.* **обша́рпать**.

ОБШИВА́ТЬ *несов. см.* **обши́ть**.

ОБШИВА́ТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **обши́ться**; 2 *страд. от* **обшива́ть**.

ОБШИ́ВКА *ж. р. мн.* **-вок** 1 *по гл.* **обши́ть — обшива́ть**; 2 қоплама, жилд; **деревя́нная ~** ёғоч қоплама; **ко́жаная ~** чарм қоплама; чарм жилд; **броневáя ~ корабля́** кеманинг бронь қопламаси.

ОБШИВНО́Й, **-а́я**, **-о́е** 1 усти қопланган, қоплама; **сирма**; жилдли; ~ **дива́н** қоплама (жилдли) диван; 2 қоплаш учун ишлатиладиган, белгиланган; қоплашга ярайдиган; ~ **тёс** қоплашга ишлатиладиган (қоплаш учун йўнилган) тахталар.

ОБШИВО́ЧНЫЙ, **-ая**, **-ое** қоплаш учун ишлатиладиган, қопламага ярайдиган, жилдбоп; ~ **материа́л** қоплашга ишлатиладиган материал, жилдбоп материал.

ОБШИ́РН/ЫЙ, **-ая**, **-ое**; **-рен**, **-рна** 1 кенг, бепоён; ~**ый кабине́т** кенг кабинет; ~**ые хло́пковые поля́** бепоён пахта далалари; 2 *перен.* кенг, катта кўламдаги, кўламдор, кўп; ~**ая програ́мма** кенг программа, катта (кўламдаги) программа.

ОБШИ́ТЬ, **обошью́**, **обошьёшь** *сов.* (*несов.* **обшива́ть**) 1 *что чем* атрофига (четига) бирор нарса тикмоқ, тутмоқ; ~**плато́к кру́жевом** рўмолча четларига тўр тикмоқ (тутмоқ); ~ **ме́хом** четларига (атрофига) мўйна тикмоқ (тутмоқ); 2 *что чем* қопламоқ, сирмоқ; ~ **чемода́н ко́жей** чамадонга чарм қопламоқ; ~ **до́сками** тахта билан қопламоқ, устига тахта қоқмоқ; ~ **дверь желе́зом** эшикка тунука қопламоқ, эшикни тунука билан қопламоқ; 3 *кого-что разг.* ҳамма (ёки бирор кимса) учун кийим-кечак тикмоқ, кийим-кечакларини тикиб бермоқ; ~ **дете́й** болаларга кийим-кечак тикиб бермоқ.

ОБШЛА́Г *м* енг қайтармаси; енг манжети.

ОБЩА́ТЬСЯ *несов.* алоқада бўлмоқ, муомала қилмоқ; қўшилмоқ, аралашиб юрмоқ; ~ **с людьми́** одамларга аралашмоқ; **он ни с кем не обща́ется** у ҳеч кимга аралашмайди, у одамларга қўшилмайди.

ОБЩЕВОЙСКО́ВОЙ, **-а́я**, **-о́е** умумқўшинга оид, қўшиннинг ҳамма турлари учун умумий, улар учун баравар (бир хил) бўлган; умумқўшин...; ~ **уста́в** умумқўшин уставы.

ОБЩЕГОРОДСКО́Й, **-а́я**, **-о́е** умумшаҳарга оид, шаҳар бўйича бўладиган; шаҳар учун умумий; умумшаҳар...; ~ **пионе́рский слёт** умумшаҳар пионерлар слёти.

ОБЩЕГОСУДА́РСТВЕНН/ЫЙ, **-ая**, **-ое** умумдавлатга оид, бутун давлат учун умумий; давлат миқёсидаги, умумдавлат...; ~**ый бюдже́т** умумдавлат бюджети; ~**ые интере́сы** умумдавлат манфаатлари; **име́ть ~ое значе́ние** умумдавлат аҳамиятига эга бўлмоқ.

ОБЩЕДЕМОКРАТИ́ЧЕСК/ИЙ, **-ая**, **-ое** барча демократик ташкилотларга (кучларга) оид; умумдемократик; ~**ое движе́ние за мир** тинчлик йўлидаги умумдемократик ҳаракат.

ОБЩЕДОСТУ́ПН/ЫЙ, **-ая**, **-ое**; **-пен**, **-пна** 1 ҳамманинг кучи, қурби (имкони) етадиган; ҳамманинг имкони доирасидаги; ~**ые це́ны** ҳамманинг кучи (қурби) етадиган баҳолар, арзон нархлар; 2 ҳамма тушунадиган, **ҳаммабоп**, оммабоп; тушунилиши осон, жўн; ~**ое изложе́ние** ҳамма

www.ziyouz.com kutubxonasi

учун тушунарли баён; **~ый язы́к произведе́ния** асар тилининг ҳаммабоплиги, ҳамма учун тушуниш осонлиги (тушунарлилиги).

ОБЩЕЖИТЕ́ЙСКИ/Й, -ая, -ое кундалик турмушга, рўзғорга, маишатга оид; оддий; турмушдаги; ҳаётий; **~е интере́сы** ҳаётий манфаатлар; кундалик ҳаётда кишини қизиқтирадиган нарсалар; **~е представле́ния** *о чём-л.* бирор нарса ҳақида оддий турмушдаги тушунчалар (тасаввурлар).

ОБЩЕЖИ́ТИ/Е *с* 1 ётоқхона, умумий ётоқхона; **студе́нческое ~е** студентлар ётоқхонаси; **~е для рабо́чих** ишчилар учун ётоқхона; 2 жамият ҳаёти, ижтимоий турмуш; ҳаёт, кундалик турмуш; жамият; **пра́вила сове́тского ~я** совет жамиятининг турмуш қоидалари.

ОБЩЕЗАВО́ДСКИЙ, -ая, -ое и **ОБЩЕЗАВОДСКО́Й, -а́я, -о́е** умумзавод...; **~ суббо́тник** умумзавод шанбалиги.

ОБЩЕИЗВЕ́СТНО *безл. в знач. сказ.* ҳаммага маълум, машҳур, ҳамма билади; **э́то ~** бу ҳаммага маълум; буни ҳамма билади; **~, что...** ҳаммага маълумки...

ОБЩЕИЗВЕ́СТНОСТЬ *ж* ҳаммага маълумлик, машҳурлик; **~ явле́ния** ҳодисанинг ҳаммага маълумлиги.

ОБЩЕИЗВЕ́СТ/НЫЙ, -ая, -ое; -тен, -тна ҳаммага маълум бўлган, ҳамма биладиган; **~ный факт** ҳаммага маълум факт; **э́тот слу́чай ~ен** бу ҳол ҳаммага маълум.

ОБЩЕКЛАССОВЫЙ, -ая, -ое умумсинфий, бутун синфга тааллуқли.

ОБЩЕКО́МАНДН/ЫЙ, -ая, -ое бутун командага тааллуқли; умумкоманда...; **~ое пе́рвенство** умумкоманда биринчилиги; **в ~ом зачёте** умумкоманда ҳисобида, командалар очқоларини ҳисобга олганда.

ОБЩЕНАРО́ДН/ЫЙ, -ая, -ое; -ден, -дна умумхалққа оид (тааллуқли); умумхалқ...; **~ая со́бственность** умумхалқ мулки.

ОБЩЕНАЦИОНА́ЛЬНЫЙ, -ая, -ое; -лен, -льна умуммиллий, умуммиллатга оид, тааллуқли; **~ язы́к** умуммиллий тил.

ОБЩЕ́НИЕ *с* алоқа, муносабат; алоқа қилиш; алоқада бўлиш; **ли́чное ~** шахсий муносабат, шахсан алоқада бўлиш; **те́сное ~** яқин муносабат; **~ с друзья́ми** дўстлар билан муносабат(да бўлиш).

ОБЩЕОБРАЗОВА́ТЕЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое умумий маълумотга оид; умумий маълумот берадиган; умумий таълим...; **~ая шко́ла** умумий маълумот берадиган мактаб, умумий таълим мактаби.

ОБЩЕОБЯЗАТЕЛЬНЫЙ, -ая, -ое; -лен, -льна ҳамма учун мажбурий бўлган; ҳамма бўйсунадиган; **~ зако́н** ҳамма бўйсунищи лозим бўлган қонун.

ОБЩЕПАРТИ́ЙН/ЫЙ, -ая, -ое умумпартияга оид, умумпартиявий, умумий партиявий; умумпартия...; **~ое собра́ние** умумий партия мажлиси; **~ая дисципли́на** умумпартиявий интизом, умумпартия интизоми.

ОБЩЕПИ́Т *м* (обще́ственное пита́ние) умумий овқатланиш.

ОБЩЕПИТОВСКИ/Й, -ая, -ое умумий овқатланишга оид, қарашли; **~е рабо́тники** умумий овқатланиш (системаси, тармоғи, корхонаси) ходимлари.

ОБЩЕПОЛЕ́ЗНЫЙ, -ая, -ое; -зен, -зна ҳамма учун фойдали, ҳаммага фойдаси тегадиган, умум манфаатига қаратилган, умумий фойдали; **~ труд** ҳамма (умум) учун фойдали меҳнат; умумий фойдали меҳнат.

ОБЩЕПОЛИТИ́ЧЕСК/ИЙ, -ая, -ое сиёсатнинг асосий (умумий) масалаларига оид; умумсиёсий; **повыше́ние ~ой подгото́вки** умумсиёсий тайёргарликни ошириш.

ОБЩЕПОНЯ́ТНЫЙ, -ая, -ое; -тен, -тна ҳамма тушунадиган, ҳаммабоп; ҳамма учун тушунарли, осон; **~ стиль** ҳаммабоп услуб.

ОБЩЕПРИЗНА́ННЫЙ, -ая, -ое ҳамма эътироф қилган, ҳамма тан олган; ҳамма танийдиган; **~ факт** ҳамма эътироф қилган факт.

ОБЩЕПРИ́НЯТЫЙ, -ая, -ое ҳамма қабул қилган, ҳаммага маъқул бўлган; расм бўлиб қолган; **~ обы́чай** ҳаммага расм бўлиб қолган урф-одат; **~ поря́док** ҳамма қабул қилган тартиб, расм бўлиб қолган тартиб.

ОБЩЕРАСПРОСТРАНЁНН/ЫЙ, -ая, -ое ҳаммага тарқалган, ҳамма жойда бўладиган, учрайдиган, кенг тарқалган, ёйилган; **~ое явле́ние** ҳамма жойда учрайдиган (бўладиган) ҳодиса.

ОБЩЕРЕСПУБЛИКАНСКИЙ, -ая, -ое бутун республикага оид, тааллуқли; умумреспублика миқёсидаги; умумреспублика...; **~ слёт** умумреспублика слёти.

ОБЩЕСОЮЗН/ЫЙ, -ая, -ое бутун Совет Иттифоқига оид, тааллуқли; умумиттифоқ миқёсидаги; умумиттифоқ...; **~ое законода́тельство** умумиттифоқ қонунлари; **~ое мини́стерство** умумиттифоқ министрлиги; **~ый смотр самоде́ятельности** ҳаваскорларнинг умумиттифоқ кўриги.

ОБЩЕ́СТВЕННИК *м* жамоатчи, жамоатчилик ишларида қатнашувчи; **акти́вный ~** актив жамоатчи.

ОБЩЕ́СТВЕННИЦА *ж см.* **обще́ственник.**

ОБЩЕ́СТВЕННО-ПОЛИТИ́ЧЕСК/ИЙ, -ая, -ое ижтимоий-сиёсий; **~ая де́ятельность** ижтимоий-сиёсий фаолият.

ОБЩЕ́СТВЕННОСТ/Ь *ж* 1 жамоатчилик; жамоат; **нау́чная ~ь** илмий жамоатчилик; **сове́тская ~ь** совет жамоатчилиги; **прислу́шаться к мне́нию ~и** жамоат фикрига қулоқ солмоқ, жамоат фикри билан ҳисоблашмоқ; 2 жамоатчилик ташкилотлари; **~ь завода́** 1) завод жамоатчилиги; 2) заводнинг жамоат ташкилотлари; 3 *уст.* ижтимоий ҳаёт; жамият ҳаётига, унинг эҳтиёжларига, манфаатларига қизиқиш, жамоатпарастлик.

ОБЩЕ́СТВЕННО-ЭКОНОМИ́ЧЕСКИ/Й, -ая, -ое ижтимоий-иқтисодий; **~е отноше́ния** ижтимоий-иқтисодий муносабатлар; **~е форма́ции** ижтимоий-иқтисодий формациялар.

ОБЩЕ́СТВЕНН/ЫЙ, -ая, -ое 1 ижтимоий, жамиятга, жамоатга оид; жамоат...; **~ый строй** ижтимоий тузум; **~ые нау́ки** ижтимоий фанлар; **~ый долг** ижтимоий бурч; **~ые отноше́ния** ижтимоий муносабатлар; **~ое разделе́ние труда́** ижтимоий меҳнат тақсимоти; **~ый де́ятель** жамоат арбоби; 2 жамоатга, жамоатчиликка оид, тааллуқли; жамоатчилик...; ижтимоий; **~ая жизнь** ижтимоий ҳаёт; **~ое произво́дство** ижтимоий ишлаб чиқариш; **~ые организа́ции** жамоат ташкилотлари; **~ая рабо́та** ижтимоий иш; 3 коллективга, жамоатга қарашли, умумий, биргаликдаги; **~ая со́бственность** ижтимоий мулк, жамият (жамоат) мулки; **~ое пита́ние** умумий овқатланиш; **~ый тра́нспорт** жамоат транспорти; **~ая безопа́сность** жамоат хавфсизлиги; **~ый поря́док** жамоат тартиби; **~ая обрабо́тка земли́** ерни биргаликда ишлаш; **~ый сад** жамоат боғи; коллективга қарашли боғ; коллектив боғи; 4 *уст.* и *разг.* улфатчиликни яхши кўрадиган, улфати; **он челове́к ~ый** у улфати одам; ✦ **~ый обвини́тель** *юр.* жамоат қораловчиси; **на ~ых нача́лах** жамоатчилик йўли билан (асосида).

ОБЩЕ́СТВО *с* 1 жамият; **коммунисти́ческое ~** коммунистик жамият; **капиталисти́ческое ~** капиталистик жамият; **первобы́тное ~** ибтидоий жамият; **челове́ческое ~** кишилик жамияти; 2 *какое* доира, аҳл, табақа; **аристократи́ческое ~** аристократлар табақаси, оқсуяклар доираси; **образо́ванное ~** маълумотли (ўқимишли) кишилар доираси; **~ арти́стов** артистлар доираси; артистлар аҳли; 3 *уст.* буржуа-дворянлар жамиятида: зодагонлар гуруҳи, дворянлар табақаси, юқори табақалар ораси; **быва́ть в о́бществе** юқори табақалар орасида (йиғинларида) бўлмоқ; 4 улфатлар, одамлар; уларнинг ораси, муҳити; улфатчилик, йиғилиш, мажлис; **душа́ о́бщества** улфатчиликка файз киритадиган киши; улфатларнинг гули, жони, мажлисоро; **быть (находи́ться) в** *каком-л.* **о́бществе** кимсалар билан улфатчиликда (кимсалар орасида, мажлисида) бўлмоқ; **попа́сть в дурно́е ~** ёмон улфатларга қўшилиб қолмоқ, ёмон одамлар орасига (муҳитига) тушиб қолмоқ; 5 уюшма, иттифоқ, жамият; **добровóльное ~** кўнгиллилар жамияти; **спорти́вное ~** спорт жамияти; **студе́нческое нау́чное ~** студентлар илмий жамияти; **акционе́рное ~** акциядорлар жамияти; 6 *уст.* деҳқонлар жамоаси.

ОБЩЕСТВОВЕ́Д *м* ижтимоиёт (жамиятшунослик) ўқитувчиси.

ОБЩЕСТВОВЕ́ДЕНИ/Е *с* жамиятшунослик, ижтимоиёт (мактабларда ўтиладиган фан); **уче́бник по ~ю** жамиятшунослик дарслиги.

ОБЩЕСТВОВЕ́ДЧЕСКИЙ, -ая, -ое жамиятшуносликка оид; жамиятшунослик...

ОБЩЕТЕОРЕТИ́ЧЕСКИЙ, -ая, -ое умумназарий; **~ вопро́с** умумназарий масала.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ОБЩЕУПОТРЕБИТЕЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое; -лен, -льна ҳамма ишлатадиган, ҳамма ерда қўлланадиган, кенг истеъмол қилинадиган (ишлатиладиган, қўлланиладиган), кенг тарқалган; ~**ый оборо́т ре́чи** кенг ишлатиладиган ибора; ~**ое сре́дство** кенг қўлланиладиган восита.

ОБЩЕУСТАНОВЛЕ́ННЫ/Й, -ая, -ое ҳамма ерда жорий қилинган, ҳамма ерда қабул қилинган, ҳамма учун бир, умумий; ~**е пра́вила** ҳамма ерда жорий (қабул) қилинган қоидалар, ҳамма учун бир (умумий) қоидалар.

ОБЩЕЧЕЛОВЕ́ЧЕСКИЙ, -ая, -ое умуминсониятга оид, тааллуқли, умумбашарий; умуминсоният...

ОБЩ/ИЙ, -ая, -ее 1 умумий, ҳаммага хос, ҳаммасига тегишли, тааллуқли; ~**ее пра́вило** умумий қоида; ~**ий кри́зис капитали́зма** капитализмнинг умумий кризиси; ~**ий неде́ста́ток** умумий камчилик; 2 умумий, ўртадаги, биргаликдаги, муштарак; ~**ее иму́щество** умумий мулк; ~**ая рабо́та** умумий иш, биргаликдаги иш; ~**ие це́ли** умумий мақсадлар; ~**ими уси́лиями** ҳамманинг кучи (ҳаракати) билан, ҳамма бир бўлиб, биргалашиб; ~**ее собра́ние** умумий мажлис; 3 умумий, асосий; ~**ие вопро́сы нау́ки** фаннинг умумий масалалари; ~**ее впечатле́ние** умумий таассурот; ~**ее образова́ние** умумий маълумот; 4 умумий, бир хил, ўхшаш; ~**ее мне́ние** умумий фикр; бир хил (ўхшаш) фикрлар; ~**ие при́знаки** умумий белгилар; 5 умумий, қисқача, мухтасар; ~**ий обзо́р** умумий обзор, қисқача обзор; **в ~ их черта́х** умумий тарзда; **в ~их слова́х** умуман айтганда; 6 жами, жамулжам, умумий, ~**ий ито́г** умумий якун; ~**ее коли́чество уча́щихся** ўқувчиларнинг умумий сони; ~**ая протяжённость ли́ний метро́** метро йўлининг умумий узунлиги; ~**ая мо́щность заво́да** заводнинг умумий қуввати; 7 *в знач. сущ.* ~**ее** *с* умумий ҳол, умумийлик; **ме́жду ни́ми есть что-то ~ее** уларнинг орасида қандайдир умумийлик (ўхшашлик) бор; **ме́жду на́ми нет ничего́ ~его** бизнинг ҳеч ўхшашлигимиз (умумийлигимиз) йўқ; бизнинг бир-биримизга ҳеч қандай алоқамиз йўқ; ✦ ~**ее ме́сто** ҳаммага маълум бўлган гап, фикр, ҳаммага маълум ҳақиқат; **в ~ем** умуман, хуллас, умуман айтганда, олганда; **в ~ей сло́жности** ҳаммаси бўлиб, жами; **в ~ем и це́лом** умуман айтганда, хулласи калом; **найти́ (име́ть) ~ий язы́к** ўзаро тил топмоқ, бир-бирини тушунмоқ, ўзаро келишиб олмоқ.

ОБЩИ́НА *ж* 1 общчина, жамоа; **крестья́нская ~** деҳқонлар жамоаси; 2 *уст.* жамият, ташкилот; **религио́зная ~** диний ташкилот.

ОБЩИН/А *ж:* **пала́та ~** парламентнинг қуйи палатаси (Англияда).

ОБЩИ́ННЫ/Й, -ая, -ое общчинага оид, жамоага қарашли; жамоа...; ~**е зе́мли** общчина ерлари.

ОБЩИПА́ТЬ, -иплю́, -иплешь *сов.* (*несов.* **общи́пывать**) *кого-что* юлмоқ, юлиб ташламоқ; юлиб тозаламоқ; ~ **лепестки́ рома́шки** мойчечак гулбаргларини юлиб ташламоқ; ~ **гу́ся** ғознинг патини юлмоқ, ғознинг патини юлиб тозаламоқ.

ОБЩИ́ПЫВАТЬ *несов. см.* **общипа́ть.**

ОБЩИ́ТЕЛЬНОСТЬ *ж* одамга эл бўлиш, киришимлилик, дилкашлик.

ОБЩИ́ТЕЛЬНЫЙ, -ая, -ое; -лен, -льна одамга эл бўладиган, киришимли, дилкаш; ~ **ребёнок** одамга эл бўладиган (тез эликадиган) бола, киришимли бола.

ОБЩНОСТЬ *ж* умумийлик, бирлик; бир хиллик; ҳаммага оидлик; ~ **зада́ч** вазифаларнинг умумийлиги (бирлиги); ~ **интере́сов** манфаатларнинг умумийлиги (бирлиги, бир хиллиги); ~ **мне́ний** фикрларнинг умумийлиги, бир хиллиги; ~ **иму́щества** мулкнинг умумийлиги (ўртадалиги, муштараклиги).

ОБЩО́ *нареч. разг.* умумий равишда, умумий тарзда; ~ **изложи́ть содержа́ние кни́ги** китоб мазмунини умумий тарзда баён этмоқ.

ОБЪ- *см.* **о-.**

ОБЪЕГО́РИВАТЬ *несов. см.* **объего́рить.**

ОБЪЕГО́РИТЬ *сов.* (*несов.* **объего́ривать**) *кого прост.* алдамоқ, бопламоқ, туширмоқ, чув тушириб кетмоқ.

ОБЪЕДА́ЛА *м* и *ж прост.* овқатхўр, еб тўймас, очофат, хўрак; текинтомоқ.

ОБЪЕДА́ТЬ *несов. см* **объе́сть.**

ОБЪЕДА́ТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **объе́сться;** 2 *страд. от* **объеда́ть.**

ОБЪЕДЕ́НИ/Е *с* 1 еб тўймаслик, ҳаддан ортиқ овқат ейиш; **заболе́ть от ~я** кўп овқат еб касал бўлмоқ, бўкиб қолмоқ; 2 *разг.* одам еб тўймайдиган, гоят мазали, оғизда эрийдиган, оғизда мазаси қоладиган; **не плов, а про́сто ~е!** одам еб тўймайдиган палов бўпти-да!

ОБЪЕДИНЕ́НИЕ *с* 1 бирлашиш, бирлашув; бирлаштириш; ~**крестья́н в колхо́зы** деҳқонларни колхозларга бирлаштириш; деҳқонларнинг колхозларга бирлашуви; ~ **двух институ́тов** икки институтни бирлаштириш; ~ **в отря́ды** отрядларга бирлашиш; 2 бирлашма, уюшма, ташкилот; **литерату́рное ~** адабий уюшма (ташкилот); **монополисти́ческое ~** монополистик бирлашма.

ОБЪЕДИНЁ́НН/ЫЙ, -ая, -ое 1 *прич. от* **объедини́ть;** 2 *в знач. прил.* бирлашган; бирлаштирилган; биргаликдаги, қўшма; ~**ое заседа́ние** бирлашган (биргаликдаги) мажлис, қўшма мажлис; ~**ое кома́ндование** бирлашган қўмондонлик; **Организа́ция Объединённых На́ций** Бирлашган Миллатлар Ташкилоти.

ОБЪЕДИНИ́ТЕЛЬНЫЙ, -ая, -ое бирлаштирувчи; бирлашиш..., бирлашув...; ~ **съезд** бирлаштирувчи съезд.

ОБЪЕДИНИ́ТЬ *сов.* (*несов.* **объединя́ть**) *что* 1 бирлаштирмоқ, бирга қўшмоқ; бирлаштириб (қўшиб) юбормоқ; ~ **ме́лкие колхо́зы** майда колхозларни бирлаштирмоқ; ~ **иму́щество** мол-мулкни бирлаштирмоқ (ўртага солмоқ); 2 бирлаштирмоқ; жипслаштирмоқ, уюштирмоқ; ~ **уси́лия** кучни бирлаштирмоқ; биргаликда ҳаракат қилмоқ; ~ **си́лы ми́ра** тинчлик кучларини бирлаштирмоқ; **тинчлик кучларини** жипслаштирмоқ, уюштирмоқ.

ОБЪЕДИНЯ́/ТЬСЯ *сов.* (*несов.* **объединя́ться**) 1 бирлашмоқ, бирга қўшилмоқ, бирикмоқ; **три кишлака́ ~лись в колхо́з** уч қишлоқ колхоз бўлиб бирлашди (битта колхоз бўлди); 2 бирлашмоқ, жипслашмоқ, уюшмоқ; **прогресси́вное челове́чество ~лось в борьбе́ за мир** прогрессив инсоният тинчлик учун курашга бирлашди.

ОБЪЕДИНЯ́ТЬ *несов. см.* **объедини́ть.**

ОБЪЕДИНЯ́ТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **объедини́ться;** 2 *страд. от* **объединя́ть.**

ОБЪЕ́ДКИ *мн.* (*ед.* **объе́док** *м*) *разг.* сарқит, қолган овқат, қолдиқ; ~ **пирога́** пирог қолдиғи; **чужи́е ~ бировда́н** қолган овқат, бировларнинг сарқити.

ОБЪЕ́ДЬЯ *мн. с.-х.* нишхўрт.

ОБЪЕ́ЗД *м* 1 айланиб ўтиш, четлаб ўтиш; ~ **стоя́щего тра́нспорта** тўхтаб турган транспорт ёнидан айланиб ўтиш; 2 айланиб чиқиш, кезиб чиқиш; ~ **го́рода** шаҳарни айланиб (кезиб) чиқиш; 3 айланиб ўтиш жойи, айланма йўл; **свернýть на ~** айланма йўлга бурилмоқ; 4 *уст.* отлиқ соқчилар тўдаси.

ОБЪЕ́ЗДИТЬ, -е́зжу, -е́здишь *сов.* (*несов.* **объезжа́ть** II) 1 *кого-что* кезиб чиқмоқ, айланиб чиқмоқ (отда, машинада ва ҳ. к.); **он объе́здил все колхо́зы** у ҳамма колхозларни айланиб чиқди; ~ **всех знако́мых** ҳамма танишларни айланиб чиқмоқ; 2 *кого* миниб ўргатмоқ, минишга ўргатмоқ (отни); ~ **молодо́го жеребца́** ёш айғирни (қулунни) минишга ўргатмоқ; ~ **под седло́** (отни) эгарлаб минишга ўргатмоқ; ~ **для упря́жки** (отни) қўшга, аравага (қўшишга) ўргатмоқ.

ОБЪЕ́ЗДКА *ж* отни юришга, минишга ўргатиш; миниб совитиш.

ОБЪЕ́ЗДН/ОЙ, -а́я, -о́е 1 айланиб ўтадиган (ўтиладиган); айланма; ~**а́я доро́га** айланиб ўтадиган (ўтиладиган) йўл, айланма йўл; 2 (транспорт воситасида) айланиб юрувчи, сайёр; ~**о́й надзира́тель** сайёр назоратчи.

ОБЪЕ́ЗДЧИК *м* 1 (отда, транспорт воситасида) айланиб юрадиган қоровул; **лесно́й ~** отлиқ ўрмон қоровули; 2 отларни минишга ўргатувчи.

ОБЪЕЗЖА́ТЬ I *несов. см.* **объе́хать.**

ОБЪЕЗЖА́ТЬ II *несов. см.* **объе́здить.**

ОБЪЕ́КТ *м* 1 *филос.* объект (биздан ташқарида, бизнинг онгимизга боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуд бўлган мавжудот, борлиқ); 2 объект (фаолият предмети, мавзуи); ~ **иссле́дования** текшириш объекти (мавзуи); ~ **наблюде́ний** кузатиш объекти; ~ **труда́** меҳнат (иш) объекти; **стать ~ом напа́док** ҳужумга тўғаноқ бўлмоқ; 3 объект (ҳар бир

www.ziyouz.com kutubxonasi

алоҳида корхона, муассаса, қурилиш ва ш. к.); **воéнный ~** ҳарбий объект; **строи́тельный ~** қурилиш объекти; **4** *грам. то же, что* **дополне́ние.**

ОБЪЕКТИ́В *м* объектив (оптик асбоб шишаси); **~ микроско́па** микроскоп объективи; **~ фотоаппара́та** фотоаппарат объективи.

ОБЪЕКТИВИЗА́ЦИЯ *ж* объективизация, мужассамлаҳиш, гавдалаҳиш, ифодалаҳиш; мужассамлантириш, гавдалантириш, ифодалаш.

ОБЪЕКТИВИ́ЗМ *м* **1** *то же, что* **объекти́вность 2**; **2** объективизм (ижтимоий ҳаёт ҳодисаларини пассив қайд этиш билангина чекланиб, уларни абадийлаштиришга қаратилган идеалистик фалсафий оқим, метод).

ОБЪЕКТИВИРОВА́ТЬ *сов.* и *несов. что* объективлаштирмоқ, мужассамлаштирмоқ, гавдалантирмоқ, **ифодаламоқ.**

ОБЪЕКТИВИ́СТ *м* объективист, объективизм тарафдори.

ОБЪЕКТИВИ́СТСКИЙ, -ая, -ое объективизмга оид; объективизм руҳидаги, объективистик; **~ подхо́д к собы́тиям** воқеаларга (ҳодисаларга) объективизм руҳида ёндашмоқ.

ОБЪЕКТИ́ВНОСТЬ *ж* **1** объективлик, объектив равишда борлиқ, кишининг онгига боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжудлик; **~ зако́нов приро́ды** табиат қонунларининг объективлиги; **~ вне́шнего ми́ра** ташқи дунёнинг объективлиги; **2** холислик, беғаразлик; **~ сужде́ний** фикрнинг (мулоҳазаларнинг) беғаразлиги; **прояви́ть ~ в спо́ре** тортишувда объективлик кўрсатмоқ.

ОБЪЕКТИ́ВН/ЫЙ, -ая, -ое; -вен, -вна 1 объектив, кишининг онгига боғланмаган ҳолда мавжуд бўлган; **~ая и́стина** объектив ҳақиқат; **~ые экономи́ческие зако́ны** объектив иқтисодий қонуниятлар; **~ая реа́льность** объектив борлиқ, объектив ҳақиқат; **2** холис, беғараз, холисона; **~ый вы́вод** холисона хулоса; **~ый взгля́д** *на что-л.* холис (беғараз) қараш; **~ая оце́нка** холисона баҳо; **быть ~ым** холис бўлмоқ, беғараз бўлмоқ.

ОБЪЕ́КТНЫЙ, -ая, -ое 1 *филос.* объектга оид; объект билан боғлиқ бўлган; **2** *грам.* объектга, тўлдирувчига оид; объект (тўлдирувчи) билан ифодаланган.

ОБЪЁМ *м* **1** ҳажм; **~ зда́ния** бино ҳажми; **~ ша́ра** шар ҳажми; **уде́льный ~** солиштирма ҳажм; **поле́зный ~ ваго́на** вагоннинг фойдали ҳажми; **2** *перен.* кўлам, катта-кичиклик, ҳажм; **~ зна́ний** билим кўлами; **~ рабо́т** иш ҳажми (кўлами); **~ ру́кописи** қўл ёзманинг ҳажми.

ОБЪЁМИСТОСТЬ *ж* ҳажми катталик, ҳажмдорлик; **~ гру́за** юкнинг катталиги, юкнинг ҳажмдорлиги.

ОБЪЁМИСТ/ЫЙ, -ая, -ое ҳажми катта, каттакон, каттагина, ҳажмдор; **~ый чемода́н** каттакон чамадон; **~ая кни́га** каттагина китоб.

ОБЪЁМН/ЫЙ, -ая, -ое 1 ҳажмга оид; ҳажмий; ҳажм...; **~ые измере́ния** ҳажмий ўлчамлар, ҳажм ўлчамлари (бўй, эн, баландлик); **~ый ана́лиз** *хим.* ҳажмий анализ; **2** яққол, бўртма, стереоскопик; **~ое кино́** бўртма кино, стереоскопик кино; **~ое изображе́ние** яққол (бўртма) тасвир, стереоскопик тасвир.

ОБЪЕ́/СТЬ, -ем, -е́шь, -е́ст, -еди́м, -еди́те, едя́т; -е́л, -е́ла *сов.* (*несов.* **объеда́ть**) **1** *что* гир атрофини (четларини, сиртини) еб қўймоқ, кемирмоқ, ғажимоқ; еб кетмоқ, еб топ-тоза қилиб қўймоқ; **~сть кость** суякни топ-тоза қилиб қўймоқ; **гу́сеницы ~ли листву́** қуртлар баргларни еб қўйди (қўйибди); **2** *кого прост.* мутамоқ, бировнинг бор-йўғини еб қўймоқ, еб кетмоқ; **3** *разг.* еб (ўйиб) юбормоқ, шилиб туширмоқ; **щёлочь ~ла ру́ки** ишқор қўлни еб қўйди (шилиб юборди).

ОБЪЕ́СТЬСЯ, -е́мся, -е́шься, -е́стся, -еди́мся, -еди́тесь, -едя́тся; -е́лся, -е́лась *сов.* (*несов.* **объеда́ться**) кўп емоқ, бурнидан чиққунча емоқ, кўп еб қўймоқ; кўп (ортиқча) овқат еб бўкиб қолмоқ; **~ мя́сом** кўп гўшт емоқ, гўштни кўп еб қўймоқ; ✦ **белены́ объе́лся** *см.* **белена́.**

ОБЪЕХА/ТЬ, -е́ду, -е́дешь *сов.* (*несов.* **объезжа́ть** I) **1** *кого-что* айланиб чиқмоқ, четлаб ўтмоқ, ёнлаб ўтмоқ (отда, машинада ва ҳ. к.); **~ть лу́жу** ҳалқобни айланиб (ёки четлаб) ўтмоқ; **велосипеди́ст ~л дете́й** велосипедчи болаларни четлаб ўтди; **2** *кого-что* кезиб чиқмоқ, айланиб чиқмоқ (отда, машинада ва ҳ. к.); **~ть знако́мых** таниш-билишларни айланиб чиқмоқ; **~ть достопримеча́тельности го́рода** шаҳарнинг диққатга сазовор жойларини кезиб (кўриб) чиқмоқ; **он ~л всю страну́** у бутун мамлакатни айланиб (кезиб) чиқди (чиққан); **3** *кого-что* ўзиб (ўтиб) кетмоқ; **~ть велосипеди́ста** велосипедчидан ўтиб кетмоқ; **такси́ ~ло грузови́к** такси юк машинасидан ўзиб кетди; ✦ **на криво́й (на криво́м) не объе́дешь** *кого прост.* анойи (гўсхўр) қила олмайсан, алдаёлмайсан, анойи қилиб бўпсан, анойнинг йўқ.

ОБЪЯВИ́ТЬ, -явлю́, -я́вишь *сов.* (*несов.* **объявля́ть**) **1** *что, о чём* и *с союзом* **«что»** билдирмоқ, маълум қилмоқ, билдириб (хабардор қилиб) қўймоқ, айтмоқ; **~ своё реше́ние** ўз фикрини (қарорини) билдирмоқ; **он объяви́л, что ско́ро уезжа́ет** у тезда кетишини билдирди (айтди); **2** *что* эълон қилмоқ, ҳаммага билдирмоқ, маълум қилмоқ; **~ благода́рность** ташаккур эълон қилмоқ; **~ по ра́дио** радио орқали эълон қилмоқ; **~ вы́говор** виговор эълон қилмоқ, виговор бермоқ; **~ приго́вор** ҳукмни эълон қилмоқ; **~ прика́з** буйруқни эълон қилмоқ; **~ собра́ние закры́тым** мажлисни ёпиқ деб эълон қилмоқ; **~ переры́в** танаффус эълон қилмоқ; **3** *что, о чём* расмий равишда эълон қилмоқ, жорий қилмоқ, амалга оширмоқ; **~ о разры́ве дипломати́ческих отноше́ний** дипломатик алоқаларни узиш ҳақида эълон қилмоқ; дипломатик алоқалар узилганлигини билдирмоқ; **~ войну́** уруш эълон қилмоқ; **~ го́род на вое́нном положе́нии** шаҳарда ҳарбий ҳолат эълон қилмоқ; **~ мобилиза́цию** сафарбарлик эълон қилмоқ; **4** *что уст.* фош қилмоқ, ошкор қилмоқ, маълум қилмоқ; **~ местонахожде́ние престу́пника** жиноятчининг қаердалигини маълум қилмоқ; **5** *кого-что кем-чем* ...деб эълон қилмоқ; **~** *кого-л.* **сумасше́дшим** кимсани жинни деб эълон қилмоқ; **~ себя́ влады́кой** ўзини ҳоким деб эълон қилмоқ.

ОБЪЯВИ́/ТЬСЯ, -явлю́сь, -я́вишься *сов.* (*несов.* **объявля́ться**) **1** *прост.* пайдо бўлмоқ, топилмоқ, кўринмоқ, келиб қолмоқ; **отку́да ты ~лся?** сен қаердан пайдо бўлдинг?; **в шкафу́ ~лась поте́рянная кни́га** йўқолган китоб жавонда пайдо бўлиб қолди (жавондан чиқиб қолди); **вот и хозя́ин ~лся!** ана, хўжайин ҳам келиб қолди!; **2** *каким* или *кем разг. уст.* ўзини... деб эълон қилмоқ; **~ться банкро́том** ўзини синган (қарздор ёки банкрот) деб эълон қилмоқ.

ОБЪЯВЛЕ́НИ/Е *с* **1** *по гл.* **объяви́ть — объявля́ть; 2** билдириш, эълон; **дать ~е в газе́ту** газетага эълон бермоқ; **доска́ ~й** эълонлар тахтаси.

ОБЪЯВЛЯ́ТЬ *несов. см.* **объяви́ть.**

ОБЪЯВЛЯ́ТЬСЯ *несов.* **1** *см.* **объяви́ться; 2** *страд. от* **объявля́ть.**

ОБЪЯСНЕ́НИ/Е *с* **1** *по гл.* **объясни́ть** и **объясни́ться; ~е уро́ка** дарсни тушунтириш; **У ма́тушки происходи́ло ~е с отцо́м: она́ в чём-то упрека́ла его́** (Тургенев) Онам отам билан очиқчасига гаплашиб олишди: у отамга нималарнидир таъна қилиб, ўпкалаб гапирар эди; **2** сабаб (баҳона) қилиш, ўз ҳаракатини оқлаш учун далил, асос кўрсатиш; важи корсон; **вы́слушать внима́тельно все ~я** кимсанинг ҳамма важи корсонларини диққат билан тингламоқ; **не приня́ть** *чьё-л.* **~е** кимсанинг кўрсатган баҳоналарини (важи корсонларини) инобатга олмаслик; **3** баҳона, сабаб, боис; **э́то име́ет своё ~е** бунинг сабаби бор, бу бежиз эмас.

ОБЪЯСНИ́М/ЫЙ, -ая, -ое сабабини тушуниб (тушунтириб) бўладиган, сабаби бор; **тру́дно ~ое явле́ние** тушуниш (тушунтириш) қийин бўлган ҳодиса; **~ый факт** сабабини тушунса (тушунтирса) бўладиган факт.

ОБЪЯСНИ́ТЕЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое тушунтириб берадиган, изоҳлайдиган, тушунтириш...; **~ая запи́ска** тушунтириш хати, изоҳнома.

ОБЪЯСНИ́ТЬ *сов.* (*несов.* **объясня́ть**) *что* **1** тушунтирмоқ, англатмоқ, тушунтириб бермоқ; **~ зада́чу** вазифани (масалани) тушунтирмоқ; **~ значе́ние сло́ва** сўзнинг маъносини тушунтирмоқ; **~ причи́ну** *чего-л.* бирор нарсанинг сабабини тушунтирмоқ; **2** изоҳламоқ, шарҳламоқ, сабабини айтмоқ, тушунтирмоқ, кўрсатмоқ; **~ явле́ния приро́ды** табиат ҳодисаларини изоҳламоқ, уларнинг сабабини айтиб бермоқ; **чем э́то мо́жно ~?** буни қандай тушунса (тушунтирса) бўлади?; бунинг сабаби нима?; **э́то ~ тру́дно** буни тушуниш (сабабини билиш) қийин; **как ~ его́ поведе́ние?** унинг хатти-ҳаракатларини қандай тушунса бўлади?

www.ziyouz.com kutubxonasi

ОБЪЯСНИ/ТЬСЯ *сов.* (*несов.* **объясня́ться**) 1 очиқ гаплашиб олмоқ, гапни очди қилмоқ; **мы с ним, наконе́ц, ~лись** ниҳоят у билан очиқ гаплашиб олдик; **нам на́до ~ться** биз очиқчасига гаплашиб (гапни очди қилиб) олишимиз керак; 2 аниқ (маълум) бўлмоқ, аён бўлмоқ, сабаби англашилмоқ, тушунилмоқ, очилмоқ; **всё ~лось о́чень про́сто** ҳаммаси осонгина аён бўлди қолди (англашилди); **так ничего́ и не ~лось** шундай қилиб, ҳеч нарса аниқ бўлмади (очилмади, ҳаммаси ноаниқлигича қолди); ✦ **~ться в любви́** муҳаббат изҳор этмоқ.

ОБЪЯСНЯТЬ *несов. см.* **объясни́ть.**

ОБЪЯСНЯ/ТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **объясни́ться;** 2 гаплашмоқ, гапиришмоқ, ўзаро (бир-бирини) тушунмоқ; **~ться по-узбе́кски** ўзбекча гапиришмоқ; **~ться же́стами (зна́ками)** имо-ишора билан гаплашмоқ; 3 *чем* бирор сабаби бўлмоқ, тушунтирилмоқ, изоҳланмоқ; **паде́ние тел ~ется си́лой земно́го притяже́ния** жисмларнинг тушишига сабаб ернинг тортиш кучидир; **чем ~ется ва́ше опозда́ние?** сизнинг кечикишингизга сабаб нима?; нима сабабдан кечикдингиз?; 4 *страд. от* **объясня́ть.**

ОБЪЯТИ/Е *с* қучоқ, бағир, оғуш; **бро́ситься в ~я** қучоғига ташланмоқ; **заключи́ть в ~я** қучоққа (қучоқлаб) олмоқ, бағрига босмоқ; **вы́рваться из ~й** қучоғидан қутулмоқ; ✦ **откры́ть (раскры́ть) ~я** *кому* кимсага қучоқ очмоқ; **встре́тить с распростёртыми ~ями** қучоқ очиб қарши олмоқ.

ОБЪЯ/ТЬ, обойму́, обоймёшь; объя́л, -ла *сов.* (*несов.* **обнима́ть**) *кого-что уст.* ўз ичига олмоқ, қамраб (ўраб) олмоқ, чулғамоқ, қопламоқ, босмоқ, банд қилмоқ; **дом ~т пла́менем** бутун уйни аланга олди; бутун уй алангаланди; **его́ ~л у́жас** уни қўрқув босди.

ОБЫВАТЕ́ЛЬ *м* 1 *уст.* бирор жойда доимо яшовчи киши; тубжойли киши: 2 обиватель, тор фикрли киши; тирикчиликдан бошқани билмайдиган одам; **~ — э́то челове́к, ду́мающий то́лько о со́бственном благополу́чии** обиватель фақат ўзини (ўз ҳузур-ҳаловатини) ўйлайдиган одам.

ОБЫВАТЕ́ЛЬНИЦА *ж см.* **обыва́тель.**

ОБЫВАТЕ́ЛЬСКИ/Й, -ая, -ое 1 *уст.* маҳаллий; 2 обивателга оид; обивателларча; обиватель...; **~е взгля́ды** обивателларча қараш (тушуниш); **~е представле́ния** обивателларга хос тасаввурлар.

ОБЫВАТЕ́ЛЬЩИНА *ж* обивателчилик, обивателларга хос қарашлар; тор манфаатпарастлик.

ОБЫГРА́ТЬ *сов.* (*несов.* **обы́грывать**) 1 *кого* ютмоқ, ютиб олмоқ, қолдирмоқ; **~ *кого-л.* в ша́хматы** шахматда бирор кишини ютмоқ; 2 *театр.* пишитмоқ, маромига етказмоқ; **~ коми́ческие сце́ны в пье́се** пьесадаги кулгили кўринишларни пишитмоқ; 3 *что* ўз фойдасига ишлатмоқ; ...дан фойдаланмоқ; **~*чей-л.* про́мах** бировнинг хатосидан фойдаланмоқ; **~ положе́ние** шароитдан фойдаланмоқ; 4 *что разг.* чалиб (чалавериб) овозини очмоқ, яхшиламоқ; **~ но́вый роя́ль** янги рояльни чалиб (чалавериб) очмоқ, овозини жарангдор қилиб олмоқ.

ОБЫГРИВАТЬ *несов. см.* **обыгра́ть.**

ОБЫДЕ́ННЫЙ, -ая, -ое кундалик, ҳар куни бўлиб турадиган, ўрганиш бўлиб қолган, одатдаги; **~ая жи́знь** одатдаги (ҳар кунги) ҳаёт, кундалик ҳаёт; **~ые забо́ты** кундалик ташвишлар; **~ые явле́ния** кунда бўлиб турадиган ҳодисалар, ўрганиш бўлиб қолган ҳодисалар.

ОБЫДЕ́ННЩИНА *ж* турмуш уринишлари, кундалик ташвишлар, икир-чикир ишлар, ўз ҳаёти, манфаатлари билан ўралиб ётиш.

ОБЫЗВЕСТВЛЕ́НИЕ *с спец.* оҳаклаш, оҳак билан қоплаш; **~ по́чвы** тупроқни оҳаклаш, оҳак билан қоплаш.

ОБЫКНОВЕ́НИ/Е *с* одат, ўрганиш; **он име́ет ~е гуля́ть перед сном** унинг одати — ухлашдан олдин сайр қилиш, унинг ухлашдан олдин сайр қилиш одати бор; ✦ **по ~ю** одат бўйича, одатдагидек; одатан; **он по ~ю встал ра́но** у одатдагидек эрта турди; **про́тив ~я** одатга қарши, ўз одатига хилоф равишда.

ОБЫКНОВЕ́ННО *нареч.* 1 оддий, содда, одатдагидек; **жи́ли они́ ~, как и все** улар ҳаммага ўхшаш оддий яшар эдилар; 2 одатда; расми; **~ он приходи́т в три часа́** у одатда (расми) соат учларда келади.

ОБЫКНОВЕ́ННЫЙ, -ая, -ое; -е́нен, -е́нна 1 одатдаги, кундалик, доим бўлиб турадиган, ўрганиш бўлиб қолган **ҳар вақтдагидек, доимий**; **э́то де́ло ~ое бу** одатдаги (ҳамма вақт бўлиб турадиган) иш (воқеа, ҳодиса); **произвести́ ~ое впечатле́ние** одатдагидек таъсир кўрсатмоқ, ҳар вақтдагидек таассурот туғдирмоқ; 2 оддий, содда, ўрта-миёна, бошқалардан фарқсиз; расмона; хашаки; **~ый деревя́нный дом** оддий ёғоч уй; **са́мый ~ый челове́к** у оддий (эл қаторидаги, ҳаммага ўхшаган) бир одам; **в ~ой жи́зни** оддий (кундалик) ҳаётда; **3** *в знач. сущ.* **~ое** *с* оддий нарса, одатдаги нарса; **мечта́ть о са́мом ~ом** энг оддий нарсани орзу қилмоқ; ✦ **быстре́е (гро́мче, ни́же** и т. п.) **~ого** одатдагидан тез (қаттиқроқ, пастроқ ва ҳ. к.).

ОБЫНДЕВЕ/ТЬ *сов.* қиров босмоқ; **дере́вья ~ли** дарахтларни қиров босди.

ОБЫСК *м* тинтув, тафтиш; **произвести́ ~** тинтимоқ, тинтув (тафтиш) қилмоқ, тинтув ўтказмоқ.

ОБЫСКА/ТЬ, -ыщу́, -ы́щешь *сов.* (*несов.* **обы́скивать**) *кого-что* 1 тинтимоқ, тинтув қилмоқ, тинтиб чиқмоқ; **~ть заде́ржанного** ушланган кишини тинтимоқ; 2 *что* ҳамма ёқни ахтармоқ, ахтариб (қидириб, қараб, ҳамма ёқни айланиб) чиқмоқ.

ОБЫСКА/ТЬСЯ, -ышу́сь, -ы́шешься *сов. прост.* ҳамма ёқни тинтиб (қараб, ахтариб) чиқмоқ; **мы ~лись, но так и не нашли́ пропа́жи** қидирмаган жойимиз қолмади, лекин йўқолган нарсани тополмадик.

ОБЫСКИВАТЬ *несов. сов.* **обыска́ть.**

ОБЫ́ЧА/Й *м* 1 расм, одат, удум, урф-одат, таомил; **стари́нный ~й** эски урф-одат; **по ме́стным ~ям** маҳаллий халқ одатига кўра; **соблюда́ть ~и** урф-одатларга риоя қилмоқ; 2 одат, ўрганиш; **э́то не в на́шем ~е** бунга биз одатланмаганмиз, бизда бунақа одат йўқ.

ОБЫ́ЧНО *нареч.* 1 одатга кўра, одатан, одатдагича, одатдагидек; **оде́т он был ~** у одатдагича кийинган эди; 2 одатда, кўпроқ, кўпинча; **он ~ прихо́дит по́зже** у одатда кечроқ келади; **как ~** одатдагидай; одат бўйича; **не как ~** одатдагига ўхшамасдан, одатдагича эмас.

ОБЫ́ЧН/ЫЙ, -ая, -ое; -чен, -чна 1 оддий, одатдаги, доимо бўлиб турадиган, ўрганиш бўлиб қолган; **~ая рабо́та** оддий (ҳар доимги) иш; **~ым спо́собом** оддий (ҳар доимги) усул билан; **при ~ой температу́ре** одатдаги температурада; **э́то ~ое де́ло** бу одатдаги иш; **э́то де́ло ста́ло для него́ ~ым** бу унинг учун оддий (одатдаги) иш бўлиб қолди, бу иш унга ўрганиш бўлиб қолди; 2 оддий, содда, бошқалардан фарқсиз, эл қатори бўлган (бўладиган); **~ое строе́ние** оддий бино; **~ый челове́к** оддий одам, эл қатори одам; 3 *юр.* урф-одатларга асосланган, урф-одатлардан келиб чиқадиган; одатдаги, одатий; **~ое пра́во** урф-одатларга асосланган ҳуқуқ, одатий ҳуқуқ.

ОБЮРОКРАТИТЬ, -а́чу, -а́тишь *сов.* (*несов.* **обюрокра́чивать**) *кого-что* бюрократлаштирмоқ, бюрократга айлантирмоқ.

ОБЮРОКРАТИТЬСЯ, -а́чусь, -а́тишься *сов.* (*несов.* **обюрокра́чиваться**) бюрократлашмоқ, бюрократлашиб кетмоқ, бюрократга айланмоқ.

ОБЮРОКРА́ЧИВАТЬ *несов. см.* **обюрокра́тить.**

ОБЮРОКРА́ЧИВАТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **обюрокра́титься;** 2 *страд. от* **обюрокра́чивать.**

ОБЯЗАННОСТ/Ь *ж* 1 мажбурият, бурч, вазифа; **права́ и ~и сове́тских гра́ждан запи́саны в Конститу́ции СССР** Совет гражданларининг бурч ва ҳуқуқлари СССР Конституциясида ёзилган; **всео́бщая во́инская ~ь** умумий ҳарбий мажбурият; **почётная ~ь** фахрий бурч; **счита́ть** *что-л.* **свое́й ~ью** бирор нарсани ўз бурчи (вазифаси) деб билмоқ; **лежа́ть на ~и** *кого-л.* зиммасида бўлмоқ; **вмени́ть в ~ь** *кому-л.* зиммасига юкламоқ; 2 *мн.* **~и** вазифа, ҳизмат лавозими; **служе́бные ~и** хизмат вазифалари; **вре́менно исполня́ющий ~и дире́ктора** директорлик вазифасини вақтинча бажарувчи; **при исполне́нии ~ей** ўз вазифасини бажараётган вақтида (бажараётиб); **э́то в его́ ~и не вхо́дит** бу унинг вазифаси эмас, бу унинг вазифасига кирмайди.

ОБЯЗА́Н/НЫЙ, -ая, -ое 1 *с неопр.* мажбур бўлган, мажбурий (шарт) бўлган; **быть ~ным** *что-л.* **сде́лать** бирор иш қилиши мажбурий (шарт) бўлмоқ; **все ~ы яви́ться** ҳамманинг келиши шарт (мажбурий); ҳамма келиши керак (шарт); **все ~ы подчини́ться прика́зу** ҳамма буйруққа бўйсуниши керак; 2 *кому-чему* **чем ми́лнатдор,** қарздор; **бурчли**; **я вам чрезвыча́йно ~** мен сиздан ғоят миннатдорман; **быть ~ным жи́знью** *кому-л.* тирик қолгани (ҳаёти) **учун**

www.ziyouz.com kutubxonasi

миннатдор (қарздор) бўлмоқ; **кому́ я ~?** мен кимга ташаккур айтишим керак (кимдан бурчдорман)?; **я был бы вам о́чень ~** мен сиздан ғоят миннатдор бўлур эдим.

ОБЯЗАТЕЛЬНО *нареч.* албатта, муқаррар, сўзсиз; **я ~ приду́** албатта келаман; **э́то на́до ~ сде́лать** буни албатта (сўзсиз) қилиш (бажариш) керак; **вам ~ сле́дует отдохну́ть** сиз албатта дам олишингиз керак.

ОБЯЗАТЕЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое; -лен, -льна 1 бажарилиши (қилиниши) шарт бўлган, албатта қилиниши керак бўлган, мажбурий, керак, лозим, шарт; **~ые усло́вия** албатта бажарилиши керак бўлган шартлар; **всео́бщее ~ое обуче́ние** умумий мажбурий таълим; **в ~ом поря́дке** мажбурий суратда (равишда); **я́вка всех ~а** ҳамманинг келиши шарт (лозим, мажбурий); **~ый экземпля́р** юборилиши мажбурий (шарт бўлган) нусха (босма асарлар ҳақида); 2 ҳар доимги, доим бўладиган, доимий; **~ый фрак дирижёра** дирижёрнинг ҳар доимги фраки; 3 хизматга тайёр, илтифотли, сўзининг устидан чиқадиган; одамохун; **она́ о́чень ~а** у жуда илтифотли аёл; **~ый челове́к** одамохун одам.

ОБЯЗАТЕЛЬСТВЕНН/ЫЙ, -ая, -ое *юр.* мажбуриятлардан келиб чиқадиган; мажбурият...; **~ое пра́во** мажбурият ҳуқуқи.

ОБЯЗАТЕЛЬСТВ/О *с* 1 мажбурият, ваъда; **догово́рные ~а** шартнома мажбуриятлари; **социалисти́ческие ~а** социалистик мажбуриятлар; **взять на себя́ ~о** ўз устига мажбурият олмоқ; **вы́полнить ~о** мажбуриятни (ёки ваъдани) бажармоқ; 2 *эк.* қарз ҳужжати (облигация тури).

ОБЯЗА́ТЬ, обяжу́, обя́жешь *сов.* (*несов.* **обя́зывать**) *кого* 1 мажбур қилмоқ, мажбурият (вазифа) юкламоқ, буюрмоқ; *~что-л.* **сде́лать** бирор нарса қилишни устига юкламоқ; **его́ обяза́ли рабо́тать** уни ишлашга мажбур қилдилар, унга ишлаш мажбуриятини юкладилар; 2 миннатдор қилмоқ, қарздор қилмоқ; **сде́лайте одолже́ние, вы меня́ э́тим о́чень обя́жете** бир яхшилик қилинг, бу билан мени жуда миннатдор (қарздор) қилган бўласиз.

ОБЯЗА́/ТЬСЯ, обяжу́сь, обя́жешься *сов.* (*несов.* **обя́зываться**) мажбурият олмоқ, зиммасига олмоқ, ваъда (сўз) бермоқ; **он ~лся вы́полнить в срок всю рабо́ту** у ҳамма ишни ўз муҳлатида бажаришга сўз берди.

ОБЯЗЫВА/ТЬ *несов. кого* 1 *см.* **обяза́ть; 2** зиммасига юкламоқ, мажбур этмоқ, талаб қилмоқ; **положе́ние ~ет** аҳвол (вазият) талаб этади; **награ́да ко мно́гому ~ет** мукофот зиммага кўп нарсаларни (вазифаларни) юклайди.

ОБЯЗЫВА́ТЬСЯ *несов. см.* **обяза́ться.**

ОВА́Л *м* овал (тухумсимон чўзиқ, ясси шакл); **краси́вый ~ лица́** юзнинг чиройли (чўзиқроқ) тузилиши.

ОВА́ЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое овал шаклидаги, чўзиқ; **~ое лицо́** чўзиқроқ юз.

ОВА́ЦИ/Я *ж* овация, гулдурос олқишлар, қарсаклар; **устро́ить** *кому-н.* **~ю** гулдурос қарсаклар билан олқишламоқ; **его́ выступле́ние бы́ло встре́чено ~ями** унинг чиқиши гулдурос олқишлар билан қарши олинди.

ОВДОВЕ́ТЬ *сов.* бева қолмоқ, эри (ёки хотини) ўлиб, тул (есир) бўлиб қолмоқ.

ОВЕВА́ТЬ *несов. см.* **ове́ять** 1.

ОВЕ́ИВАТЬ *несов. см.* **ове́ять** 1.

ОВЕ́С *м, р.* **овса́** 1 сули; **се́ять ~** сули экмоқ; **жать ~** сули ўрмоқ; 2 *мн.* **овсы́** сулизор, сули далалари.

ОВЕ́Ч/ИЙ, -ья, -ье 1 қўйга оид; қўй...; **~ья шерсть** қўй жуни; **~ье молоко́** қўй сути; **~ий сыр** қўй сутидан тайёрланган пишлоқ; 2 *перен.* ювош, мўмин, юмшоқ, мулойим; **~ья нату́ра** қўйдай ювошлик; **~ье се́рдце** юмшоқ кўнгил.

ОВЕ́ЧКА *ж, р. мн.* **-чек** 1 *уменьш.-ласк. от* **овца́**; 2 *перен.* қўйдай ювош одам.

ОВЕЩЕСТВИ́ТЬ, -влю́, -ви́шь *сов.* (*несов.* **овеществля́ть**) *что книжн.* моддий тусга келтирмоқ, моддий тус бермоқ, моддийлаштирмоқ; **~ труд** меҳнатни моддийлаштирмоқ, меҳнат туфайли моддий бир нарса яратмоқ.

ОВЕЩЕСТВИ́ТЬСЯ, -и́тся *сов.* (*несов.* **овеществля́ться**) *книжн.* моддийлашмоқ, моддий тусга келмоқ, моддий тус олмоқ.

ОВЕЩЕСТВЛЕ́НИЕ *с книжн.* моддий тусга келиш, келтириш; моддий тус олиш, бериш, моддийлашиш, моддийлаштириш; **~ трудá** меҳнатнинг моддийлашуви, меҳнатни моддийлаштириш.

ОВЕЩЕСТВЛЯ́ТЬ *несов. см.* **овеществи́ть.**

ОВЕЩЕСТВЛЯ́ТЬСЯ, -я́ется *несов. см.* **овеществи́ться.**

ОВЕ́Я/ТЬ *сов. кого-что* 1 (*несов.* **овева́ть** и **ове́ивать**) елпимоқ, силаб ўтмоқ (шабада, шамол ва ш. к. ҳақида); 2 *перен. высок.* қопламоқ, буркамоқ, кўммоқ, ўраб (қамраб) олмоқ; йўғрилмоқ; **сове́тские знамёна ~ны неувя́даемой сла́вой** совет байроқлари сўнмас шон-шуҳратларга қопланган.

ОВИВА́ТЬ *несов. см* **ови́ть.**

ОВИВА́ТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **ови́ться; 2** *страд. от* **овива́ть.**

ОВИ́Н *м* овин (янчиш олдидан ғалла боғлари қуритиладиган махсус бино).

ОВИ́НН/ЫЙ, -ая, -ое овинга оид; овин...; **~ая суши́лка** овин сушилкаси.

ОВИ́ТЬ, овью́, овьёшь *сов.* (*несов.* **овива́ть**) *то же, что* **обви́ть** 1, 2.

ОВИ́ТЬСЯ, овью́сь, овьёшься *сов.* (*несов.* **овива́ться**) *то же, что* **обви́ться.**

ОВЛАДЕВА́ТЬ *несов. см.* **овладе́ть.**

ОВЛАДЕ́НИЕ *с по гл.* **овладе́ть; ~ кре́постью** қалъани ишғол қилиш; **~ зна́ниями** билимларни эгаллаш.

ОВЛАДЕ́/ТЬ *сов.* (*несов.* **овладева́ть**) *кем-чем* 1 қўлга киритмоқ, эгалламоқ, ишғол этмоқ; **~ть го́родом** шаҳарни ишғол қилмоқ (қўлга киритмоқ); 2 *перен.* ўзига жалб этмоқ, бўйсундирмоқ; эгалламоқ; **~ть созна́нием масс** омманинг онгини жалб этмоқ, омманинг онгига сингмоқ; **~ть внима́нием аудито́рии** аудитория диққатини ўзига тортмоқ (жалб этмоқ); **~ть норови́стым коне́м** асов отни бўйсундирмоқ (жиловлаб олмоқ); 3 чулғамоқ, қопламоқ, қамрамоқ, босмоқ; **им ~ли мы́сли о семье́** уни оила ҳақидаги хаёллар чулғаб олди; **ею ~л страх** уни (қизни) қўрқув босди; **им ~ло отча́яние** у умидсизликка тушди; **ма́льчика ~ла страсть к коллекциони́рованию** бола коллекциялар тўплаш иштиёқига тушди; **4** ўрганиб (билиб) олмоқ, ўзлаштирмоқ; **~ть иностра́нным языко́м** чет тилини ўрганиб олмоқ; **~ть зна́ниями** билимларни ўзлаштирмоқ (эгалламоқ); **~ть но́вой те́хникой** янги техникани ўзлаштирмоқ (ўрганиб олмоқ); ✦ **~ть собо́й** ўзини қўлга олмоқ, ўзини тутмоқ, босмоқ.

ОВОД *м, мн.* **о́воды** и **овода́** сўна; **уку́с ~а** сўнанинг чақиши, сўна чаққан жой; **личи́нка ~а** сўнанинг қурти, бўка.

ОВОСКО́П *м. с.-х.* овоскоп (тухум текширадиган асбоб).

ОВОЩЕВО́Д *м* сабзаворткор, сабзаворчи.

ОВОЩЕВО́ДСТВО *с* сабзаворткорлик, сабзаворчилик.

ОВОЩЕВО́ДЧЕСКИЙ, -ая, -ое сабзаворткорликка оид; сабзаворткорлик...; **~ совхо́з** сабзаворткорлик совхози.

ОВОЩЕХРАНИ́ЛИЩЕ *с* сабзавотхона, сабзавот омбори.

ОВО́Щ/И *мн., р.* **-е́й** *(ед.* **о́вощ** *м)* сабзавот, сабзаворлар; **ра́нние ~и** эртанги сабзавот; **суп из ~е́й** сабзавот шўрва, сабзаворлардан тайёрланган шўрва.

ОВОЩН/О́Й, -а́я, -о́е сабзавотга оид; сабзавот...; **~о́й суп** сабзавот шўрва; **~а́я ла́вка** сабзавот дўкони; **~ы́е консе́рвы** сабзавот консервалари.

ОВРА́Г *м* жар, жарлик, чуқурлик; **глубо́кий ~** чуқур жарлик.

ОВРАЖИСТ/ЫЙ, -ая, -ое сержар, жар-жуп. **~ая ме́стность** сержар жой, жар-жур жой.

ОВРА́ЖНЫЙ, -ая, -ое жарга, жарликка оид; жарлик.

ОВСЯ́НКА *ж, р.* **-нок** *разг.* сули донаси; **сули пояси.**

ОВСЮ́Г *м, р.* **-а́** ёввойи сули.

ОВСЯНИЦА *ж* бетага (ғалласимон ўсимлик).

ОВСЯНК/А I *ж разг.* 1 сули ёрмаси; 2 сули ёрмасидан тайёрланган бўтқа, сули каша; **свари́ть ~у** сули каша пиширмоқ.

ОВСЯНКА II *ж, р.* **-нок** деҳқончумчуқ; **~ садо́вая** боғчумчуғи.

ОВСЯН/ОЙ, -а́я, -о́е сулига оид; сули...; **~о́е по́ле** сулизор, сули экилган ер; **~а́я соло́ма** сули похоли.

ОВСЯН/ЫЙ, -ая, -ое сулига оид; сули ёрмасидан, унидан тайёрланган; сули...; **~ая мука́** сули уни; **~ая крупа́** сули ёрмаси; **~ ы́й кисе́ль** сули кисели; **сули унидан тайёр-**

www.ziyouz.com kutubxonasi

ланган кисель, **~ый суп** сули ёрмасидан тайёрланган суюқ овқат, сули ош.

ОВЦА *ж, мн.* **о́вцы,** *р.* **овец** қўй; совлиқ қўй; **кара́кульская ~** қоракўл қўйи; **меринóсовая ~** меринос қўйи; ✦ **заблу́дшая ~** йўлдан озган, ахлоқи бузилган одам.

ОВЦЕБЫК *м зоол.* ҳўкизқўй (қорамол ва қўй белгиларига эга бўлган сутэмизувчи ҳайвон).

ОВЦЕВО́Д *м* қўйчилик мутахассиси.

ОВЦЕВО́ДСТВО *с* қўйчилик, қўй асраш.

ОВЦЕВО́ДЧЕСК/ИЙ, -ая, -ое қўйчиликка оид; қўйчилик...; **~ая фе́рма** қўйчилик фермаси.

ОВЦЕМА́ТКА *ж, р. мн.* **-ток** она қўй, совлиқ қўй.

ОВЦЕФЕ́РМА *ж* қўйчилик фермаси.

ОВЧА́Р *м* қўйчивон, қўйбоқар, чўпон.

ОВЧА́РКА *ж, р. мн.* **-рок** овчарка (ит); **кавка́зская ~** кавказ овчаркаси.

ОВЧА́РНЯ *ж, р. мн.* **-рен** қўйхона, қўтон.

ОВЧИ́Н/А *ж* қўйтери, ишланган қўй териси; **шу́ба из ~ы** қўй терисидан қилинган пўстин, қўйтери пўстин.

ОВЧИ́НК/А *ж уменьш. от* **овчи́на;** ✦ **~а вы́делки не сто́ит** меҳнатга арзимайди; **не́бо с ~у показа́лось** *кому* дунё кўзига тор бўлиб кетди.

ОВЧИ́ННЫЙ, -ая, -ое қўй терисидан тикилган, қўйтери...; **~ тулу́п** қўйтери пўстин.

ОГАРО́К *м, р.* **-рка** шам қолдиғи; **~ свечи́** шам қолдиғи; **заже́чь ~** шам қолдиғини ёқмоқ.

ОГИБА́ТЬ *несов. см.* **обогну́ть.**

ОГЛАВЛЕ́НИЕ *с* мундарижа; **~ к уче́бнику** дарсликнинг мундарижаси.

ОГЛАДИ́ТЬ, -а́жу, -а́дишь *сов.* (*несов.* **огла́живать**) *кого-что* силамоқ, силаб-сийпамоқ, силаб-сийпаб тинчлантирмоқ (отни, итни).

ОГЛА́ЖИВАТЬ *несов. см.* **огла́дить.**

ОГЛАСИ́/ТЬ, -ашу́, -аси́шь *сов.* (*несов.* **оглаша́ть**) *что* **1** билдирмоқ, эълон қилмоқ; ўқиб эшиттирмоқ; **~ть приго́вор** ҳукмни ўқиб эшиттирмоқ; **~ть ука́з** фармонни эълон қилмоқ; **2** янгратмоқ, баланд овоз билан тўлдирмоқ; **тишину́ ~ли тре́ли соловья́** булбул наволари жимликни бузди; **3** *уст.* очмоқ, очиб қўймоқ, ошкор қилмоқ; овоза қилиб юбормоқ; **~ть** *чью-л.* **та́йну** бировнинг сирини очиб қўймоқ.

ОГЛАСИ́/ТЬСЯ, -и́тся *сов.* (*несов.* **оглаша́ться**) **1** овозга тўлмоқ, янграмоқ; **пло́щадь ~лась зву́ками оркестра** майдон оркестр садоларига тўлди; майдонда оркестр садолари янгради; **2** *уст.* ошкор бўлмоқ, ҳаммага маълум бўлмоқ; овоза бўлиб кетмоқ; **происше́ствие ~лось** воқеа ҳаммага маълум бўлди

ОГЛАСК/А *ж* билдириш, ошкор қилиш, ошкор бўлиш, очилиш; **~а та́йны** сирни ошкор қилиш; сирнинг ошкор бўлиши, очилиши; **преда́ть ~е** *что-л.* ҳаммага маълум қилмоқ; **получи́ть ~у** ҳаммага маълум бўлмоқ; **без ~и** ҳеч кимга билдирмасдан, шов-шувсиз, ими-жимида.

ОГЛАША́ТЬ *несов см.* **огласи́ть.**

ОГЛАША́ТЬСЯ, -а́ется *несов.* **1** *см.* **огласи́ться; 2** *страд. от* **оглаша́ть.**

ОГЛАШЕ́НИ/Е *с по гл.* **огласи́ть** и **оглаша́ть** 1, 3; **докуме́нт, не́ подлежа́щий ~ю** ошкор этилмаслиги (махфий тутилиши) керак бўлган ҳужжат; **~е прика́за** буйруқни эълон қилиш.

ОГЛАШЕ́ННЫЙ, -ая, -ое *прост.* телбанамо, шанғи, довдир-совдир; **крича́ть, как ~** телбалардек бақириб-чақирмоқ.

ОГЛО́БЕЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое арава шотисига оид; шоти...; **~ая у́пряжь** шоти абзали.

ОГЛО́БЛ/Я *ж, р. мн* **-бель** шоти, арава шотиси; ✦ **поверну́ть ~и** *прост.* икки қўлини бурнига тиқиб қайтмоқ, келган томонига қараб кетмоқ.

ОГЛОДА́ТЬ *сов. то же, что* **обглода́ть.**

ОГЛОУ́ШИТЬ *сов. кого прост.* бошига (бўйнига) уриб ҳушидан кетказмоқ, гангитиб (сулайтириб) қўймоқ.

ОГЛОХ/НУТЬ, -ну, -нешь; -о́х, -о́хла *сов.* (*несов.* **глохнуть**) кар (гаранг) бўлиб қолмоқ, қулоғи битмоқ; **~нуть к ста́рости** қариганда кар бўлиб қолмоқ.

ОГЛУПИ́ТЬ, -плю́, -пи́шь *сов.* (*несов.* **оглупля́ть**) **1** *кого-что* тентак (аҳмоқ) қилмоқ, аҳмоқ қилиб қўймоқ; **Ничто́ не мо́жет так ~ челове́ка, как уве́ренность, что он всё зна́ет** (Л. Толстой) Ҳамма нарсани биламан деб ўзига ишонишдан кўра одамни аҳмоқ қиладиган нарса йўқ; **2** *что* расво қилмоқ, бузиб (расво қилиб) кўрсатмоқ; **~ идею** гояни бузиб (расво қилиб) кўрсатмоқ.

ОГЛУПЛЯ́ТЬ *несов. см.* **оглупи́ть.**

ОГЛУША́ТЬ *несов. см.* **оглуши́ть.**

ОГЛУШИ́ТЕЛЬНЫЙ, -ая, -ое; -лен, -льна жуда қаттиқ, қулоқни битирадиган, кар (батанг) қиладиган, қоматга келтирадиган, кучли, зўр; гулдурос; **~ взрыв** жуда қаттиқ (овоз билан) портлаш; **~ раска́т гро́ма** момақалдироқнинг қулоқни битирарли гулдираши.

ОГЛУ́ШИ/ТЬ *сов.* (*несов.* **оглуша́ть**) *кого* **1** кар (гаранг) қилмоқ, қулоқни битирмоқ, батанг қилмоқ; **Взрыв огро́мной си́лы ~л нас всех** (Вершигора) Жуда кучли портлаш қулоғимизни кар (гаранг) қилиб қўйди; **2** зарб билан уриб карахт қилмоқ, ҳушидан кетказмоқ, гангитиб (сулайтириб) қўймоқ; **~ть во́лка дуби́ной** бўрининг бошига тўқмоқ билан уриб сулайтириб қўймоқ; **3** *перен. разг.* гангитиб қўймоқ, бошидан ҳушини учирмоқ, ҳанг-манг қилиб қўймоқ; **неожи́данная но́вость ~ла меня́** кутилмаган янгилик мени гангитиб қўйди.

ОГЛЯДЕ́ТЬ, -яжу́, -яди́шь *сов.* (*несов.* **огля́дывать**) *кого-что* қараб чиқмоқ, кўздан кечирмоқ, назар ташламоқ; **~ окре́стность** теварак-атрофни кўздан кечирмоқ; **~** *кого-л.* **с ног до голово́ы** кимсани бошидан оёғигача кўздан кечирмоқ.

ОГЛЯДЕ́ТЬСЯ, -яжу́сь, -яди́шься *сов.* **1** (*несов.* **огля́дываться**) ҳамма ёқни қарамоқ, кўздан кечириб чиқмоқ; ҳамма ёққа назар ташламоқ; **~ круго́м** атрофни кўздан кечирмоқ; атрофга назар ташламоқ; **2** ўзининг ҳамма ёғини кўриб чиқмоқ; **~ в зе́ркало** ўзини ойнага солиб қарамоқ; **3** *разг.* кўникмоқ, ўрганиб қолмоқ (кўз ҳақида); **4** *перен.* янги шароит билан танишмоқ, азмойишини олмоқ, танишиб (азмойишини олиб) унга ўрганмоқ.

ОГЛЯДК/А *ж:* **без ~и** 1) орқасига қарамасдан; **он ки́нулся бежа́ть без ~и** у орқасига қарамасдан қоча бошлади; 2) ўйлаб ўтирмасдан, суриштирмасдан, орқа-ўнгига қарамасдан, ўйламай-нетмай; **с ~ой** у ёқ-бу ёғини суриштириб, орқа-ўнгига қараб, эҳтиётлик билан; **де́йствовать с ~ой** орқа-ўнгига қараб иш қилмоқ, эҳтиётлик билан иш кўрмоқ.

ОГЛЯ́ДЫВАТЬ *несов. см.* **оглядéть.**

ОГЛЯ́ДЫВА/ТЬСЯ *несов.* **1** *см.* **оглядéться 1; 2** *см.* **огляну́ться; 3** *перен. на кого-что* и *без доп. разг.* эҳтиёткорлик билан ҳаракат қилмоқ; бошқаларга қараб (бошқалардан ўрнак олиб) иш тутмоқ; **рабо́тай, не ~ясь на нача́льство** бошлиқларга қарамасдан ишингни қил.

ОГЛЯНУ́ТЬ, -яну́, -я́нешь *сов. однокр. см.* **огля́дывать.**

ОГЛЯНУ́/ТЬСЯ, -яну́сь, -я́нешься *сов.* (*несов.* **огля́дываться**) **1** ўгирилиб қарамоқ, қайрилиб қарамоқ; **~ться на** *чей-л.* **о́клик** биров чақирган томонга ўгирилиб қарамоқ; **2** *разг.* атрофига қарамоқ, назар ташламоқ, атрофини кўздан кечириб чиқмоқ; ✦ **не успе́ешь (не успе́л) ~ться, как...** анамана дегунча, ҳаш-паш дегунча, кўз юмиб очгунча; **не успе́л ~ться, как наступи́л но́вый год** ҳаш-паш дегунча янги йил келиб қолди (қолади).

ОГНЕ́ВКА *ж, р. мн.* **-вок 1** қизил капалак (зараркунанда); **2** қизил тулки.

ОГНЕВ/ОЙ, -а́я, -о́е 1 ўтга, оловга оид; ўт (олов) воситасида қилинадиган; **~а́я су́шка древеси́ны** ёғочни оловда (олов таптида) қуритиш; **2** оловранг, чўғдек қизил, қип-қизил; **3** *перен. то же, что* **о́гненный 3; 4** *перен.* **оташин,** қизғин, олов; **~о́й па́рень** олов йигит; **~а́я речь** оташин нутқ; **5** ўт очадиган (ўқ ёғдирадиган); ўт очиш...; **~а́я ата́ка** ўт (ўқ) ёғдириш; **~а́я подгото́вка** ўт (ўқ) ёғдириб ҳужумга тайёрланиш; **~а́я мощь** ўт (ўқ) ёғдириш қуввати, отиш қуролларининг қуввати; **~а́я пози́ция** ўт очиш позицияси; **~а́я то́чка** ўт очиш нуқтаси.

ОГНЕДЫШАЩ/ИЙ, -ая, -ее ўт сочиб турадиган, оташнафас; **~ая гора́** *уст.* ўт сочиб турадиган тоғ, ёнар тоғ, вулкан.

ОГНЕЗАЩИ́ТНЫ/Й, -ая, -ое ўтдан (ёнғиндан, ёнишдан) сақлайдиган; **~е кра́ски** ўтдан (ёнишдан) сақлайдиган бўёқлар.

ОГНЕМЁТ *м воен.* огнемёт, ўтсочар.

ОГНЕНН/ЫЙ, -ая, -ое 1 ўтга (алангага) оид; алангали, оташли; ўт...; оташ...; олов...; аланга...; **~ый столб алан-**

www.ziyouz.com kutubxonasi

га устуни; 2 олов ранг, чўғдек қизил, қип-қизил; ~ые во́лосы олов ранг сочлар; ~ые тюльпа́ны қип-қизил лолалар; 3 *перен.* ёниб турадиган, куйдирадиган, юракка ўт ёқадиган, куйдирмажон, жозибадор (кўз, нигоҳ ҳақида); ~ый взор (взгляд) ёниб турадиган кўз(лар); юракка ўт ёқадиган нигоҳ; 4 *перен.* оташин, қизғин; оловли; ~ые го́ды оловли йиллар; ~ая речь оташин (қизғин) нутқ.

ОГНЕОПА́СНЫ/Й, -ая, -ое; -сен, -сна тез ўт оладиган, ёнғин жиҳатидан хавфли; ~е вещества́ ёнғин жиҳатидан хавфли моддалар.

ОГНЕПОКЛО́ННИК *м* оташпараст, ўтга топинувчи, сиғинувчи, мажусий, муғ.

ОГНЕПОКЛО́ННИЧЕСКИЙ, -ая, -ое оташпарастга ва оташпарастликка оид; оташпарастлик...

ОГНЕПОКЛО́ННИЧЕСТВО *с* оташпарастлик, мажусийлик, ўтга топиниш.

ОГНЕПОКЛО́НСТВО *с то же, что* **огнепокло́нничество.**

ОГНЕПРИПА́С/Ы *мн.* ўқ-дори; **склад ~ов** ўқ-дори омбори.

ОГНЕПРОВО́ДНЫЙ: ~ шнур *то же, что* **бикфо́рдов шнур;** *см.* **бикфо́рдов.**

ОГНЕСТОЙКИЙ, -ая, -ое; -о́ек, -о́йка ўтга чидамли, ёнмайдиган, оловбардош; ~ материа́л ўтга чидамли материал.

ОГНЕСТОЙКОСТЬ *ж* ўтга чидамлилик, оловбардошлик; ~ сооруже́ния иншоотнинг ўтга чидамлилиги.

ОГНЕСТРЕЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое 1 ўқ отадиган; отиш...; ~ое ору́жие ўқ отадиган қурол, отиш қуроли; 2 ўқ (ёки снаряд парчаси) теккан; ~ая ра́на ўқ (ёки снаряд парчаси) тегиб пайдо бўлган яра, ўқ яра.

ОГНЕТУШИ́ТЕЛЬ *м* ўтўчиргич.

ОГНЕУПО́РНОСТЬ *ж* ўтга чидамлилик, оловбардошлик.

ОГНЕУПО́РН/ЫЙ, -ая, -ое; -рен, -рна ўтга чидамли, оловбардош; ~ый кирпи́ч ўтга чидамли ғишт; ~ая гли́на ўтга чидамли лой, оловбардош лой.

ОГНЕУПО́РЫ *мн.* ўтга чидамли (оловбардош) материаллар.

ОГНИ́ВО *с* чақмоқтош.

ОГНИ́СТЫЙ, -ая, -ое олов ранг, аланга ранг.

ОГНИ́Щ/Е *с обл.* 1 гулхан; **Мужики́ во́зле ~а сидя́т, тру́бки ку́рят** (Шишков) Деҳқонлар гулхан атрофида ўтириб, трубка тортмоқда (чекишмоқда); 2 гулхан ўрни, қолдиғи; 3 ер очиш учун ёқилган ўрмон ўрни.

ОГО́ *межд.* ўҳў, аҳа, эҳ-ҳа, ҳўҳ-ҳў, оҳо; **ого́! Как ты вы́рос!** ўҳў! Каттагина бўлиб қолибсан-а!

ОГОВА́РИВАТЬ *несов. см.* **оговори́ть.**

ОГОВА́РИВАТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **оговори́ться;** 2 *страд. от* **огова́ривать.**

ОГОВО́Р *м* 1 туҳмат қилиш, бўҳтон ағдариш, ноҳақ айблаш; 2 туҳмат, бўҳтон; **же́ртвы ~а** туҳмат қурбонлари.

ОГОВОРИ́ТЬ *сов.* (*несов.* **огова́ривать**) 1 *кого разг.* туҳмат қилмоқ, бўҳтон ағдармоқ, ноҳақ айбламоқ; ~ **неви́нного челове́ка** бегуноҳ кишини ноҳақ айбламоқ, бегуноҳ одамга туҳмат қилмоқ; 2 олдиндан келишиб олмоқ, шартлашиб қўймоқ, айтиб ўтмоқ, писанда қилмоқ; ~ **вре́мя о́тпуска** отпуска вақтини олдиндан айтиб қўймоқ; отпуска вақти ҳақида олдиндан келишиб қўймоқ; ~ **цель рабо́ты в предисло́вии** сўзбошида ишнинг мақсадини кўрсатиб (айтиб) ўтмоқ; 3 *что* қўшимча шарҳламоқ, изоҳламоқ, изоҳ (тушунтириш) бермоқ, кўрсатиб ўтмоқ; **попра́вка в те́ксте не оговре́на** текстдаги тузатишга изоҳ берилмаган; 4 *кого прост.* танбеҳ бермоқ, таъна (гина, ўпка) қилиб айтмоқ, койимоқ; ~ *кого-л.* **за неря́шливость** пала-партишлиги учун койимоқ.

ОГОВОРИ́/ТЬСЯ 1 олдиндан айтиб (писанда қилиб) қўймоқ; изоҳламоқ, тушунтирмоқ; **я до́лжен ~ться, что...** олдиндан айтиб қўйишим керакки...; 2 янглиш гапириб қўймоқ; **извини́те, я ~лся** афв этасиз, мен янглиш айтибман.

ОГОВО́РК/А *ж, р. мн.* **-рок** 1 қўшимча шарт, писанда; қўшимча тушунтириш, шарҳ, изоҳ, эслатма; **с ~ой, что...** шу шарт биланки...; **с не́которыми ~ами** баъзи бир шартлар билан; **согласи́ться без оговро́рок** сўзсиз рози бўлмоқ; 2 янглиш айтилган сўз, гапда янглишиб кетиш; **допусти́ть ~у** янглиш гапириб қўймоқ.

ОГОЛЕ́НИЕ *с по гл.* **оголи́ть и оголи́ться; ~ проводо́в** электр симларини яланғочлаш; электр симларининг яланғочланиши; ~ **фла́нгов** флангларни очиқ қолдириш; флангларнинг ҳимоясиз қолиши (қолганлиги).

ОГОЛЁНН/ЫЙ, -ая, -ое 1 *прич. от* **оголи́ть;** 2 *в знач. прил.* яланғоч, кийимсиз, очиқ; ~ые ру́ки яланғоч билаклар; ~ая грудь яланғоч кўкрак; 3 *в знач. прил.* баргсиз; барги тўкилган; гиёҳсиз, ўт-ўлансиз, қуп-қуруқ, яланғоч; ~ый дуб баргсиз эман (дуб); ~ая равни́на гиёҳсиз (яланғоч) текислик; 4 *в знач. прил.* қобиқсиз, очиқ, яланғоч; ~ый про́вод яланғоч сим.

ОГОЛЕЦ *м, р.* **-льца́** *прост.* тирмизак, шумтака, зумраша.

ОГОЛИ́ТЬ *сов.* (*несов.* **оголя́ть**) 1 *кого-что* яланғочламоқ, ечинтирмоқ, либосини ечмоқ; ~ **ше́ю** бўйнини яланғочламоқ; 2 *что* баргини тўкмоқ, баргсизлантирмоқ; **о́сень оголи́ла леса́** куз ўрмонларни яланғочлаб қўйди; 3 *что* устини очмоқ, шилмоқ, олиб ташламоқ; қобиғини олмоқ; яланғочламоқ; ~ **про́вод** симни яланғочламоқ; 4 *что* яланғочламоқ, қиндан суғурмоқ; ~ **са́бли** қиличларни яланғочламоқ; 5 очиқ қолдирмоқ, ҳимоясиз (қўриқсиз) қолдирмоқ; ~ **уча́сток фро́нта** фронт участкасини ҳимоясиз қолдирмоқ.

ОГОЛИ́/ТЬСЯ *сов.* (*несов.* **оголя́ться**) 1 *прост.* яланғоч бўлмоқ, ечинмоқ, кийимини ечмоқ; 2 очилмоқ, очилиб қолмоқ (бирор аъзо ҳақида); 3 барги тўкилмоқ, баргсизланмоқ, яланғочланиб қолмоқ; **дере́вья уже́ ~лись** дарахтлар баргини тўкиб бўлди; дарахтларнинг барги тўкилиб бўлди; 4 қобиқсиз бўлмоқ, очилиб қолмоқ, яланғочланмоқ; **снег ста́ял, и бе́рег ~лся** қор эриб, қирғоқ яланғочланиб қолди; 5 қўриқсиз (ҳимоясиз) қолмоқ, очилиб қолмоқ; **ли́ния обороны́ ~лась** мудофаа чизиғи ҳимоясиз қолди.

ОГОЛО́ВОК *м, р.* **-вка** *спец.* уч, бош, каллак; ~ **трубы́** трубанинг боши; ~ **сва́и** қозиқ оёқнинг каллаги.

ОГОЛО́ВЬЕ *с спец.* юган.

ОГОЛТЕ́ЛЫЙ, -ая, -ое *разг.* ҳаддан ошган, уччига чиққан, ўтакетган; ашадди; ~ **враг** ашадди душман.

ОГОЛЯ́ТЬ *несов. см.* **оголи́ть.**

ОГОЛЯ́ТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **оголи́ться;** 2 *страд. от* **оголя́ть.**

ОГОН/ЁК *м, р.* **-нька́** 1 *уменьш.-ласк. от* **ого́нь** олов, ўт, аланга; ~ёк костра́ гулхан ўти; 2 милтиллаб кўринган олов, чироқ ва ҳ. к.; **вдали́ показа́лись ~ьки́** узоқдан милтиллаган чироқлар кўринди; 3 *перен.* юрак ўти, ҳарорат, ўғит; шавқ, завқ; **в тебе́ нет ~ька́** юрагингда ўтинг йўқ; **говори́ть с ~ько́м** шавқ-завқ билан гапирмоқ; **он пи́шет с ~ько́м** у юрак ҳарорати билан ёзади; 4 *перен.* кўзлардаги чақноқлик; 5 огонёк, (бир пиёла чой атрофидаги) ўтириш, базм-томоша; ✦ **новогодний ~ёк** янги йил огонёги (базми); **зайти́ (забежа́ть** и т. п.) **на ~ёк** бирров кириб чиқмоқ.

ОГО́НЬ *м, р.* **огня́** 1 ўт, олов, аланга; **развести́ ~** ўт ёқмоқ; **гре́ться у огня́** оловда (олов атрофида) исинмоқ; **сгоре́ть в огне́** ўтда куймоқ; **обже́чь на огне́** ўтда куйдирмоқ, куйдириб олмоқ; **дом охва́чен огнём** уй ловуллаб (аланга олиб) ёнмоқда; 2 *перен.* ўт, аланга, ҳарорат, шарора, ўғит; ғайрат, шавқ-завқ; ~ **любви́** муҳаббат ўти; ишқ аланғаси, шарораси; **огнём душа́ полна́** ҳарорати (ғайрати) юрагига сиғмайди; — **Вы все о́чень тала́нтливы, о́чень мо́лоды, в вас сто́лько огня́** (Инбер) — Сиз ҳаммангиз жуда истеъдодлисиз, жуда ёшсиз, юрагингизда ўтингиз бор; 3 *перен.* ўт, олов (жўшқин киши ҳақида); **не па́рень — ~** йигит эмас, олов; 4 нур, ёруғлик, шуъла, чироқ; **сигна́льный ~** сигнал чироғи; **судовы́е огни́** кема чироқлари; **на у́лицах зажгли́сь огни́** кўчаларда чироқлар ёқилди; **заже́чь ~** чироқ ёқмоқ; **погаси́ть ~** чироқни ўчирмоқ; **уба́вить огня́ в ла́мпе** чироқни пасайтирмоқ; 5 милтиллаб кўринган олов, чироқ ва ҳ. к.; **вдали́ видны́ тускне́ющие огни́** йироқда сўниб бораётган чироқлар милтиллаб кўринарди; 6 *перен.* кўзлардаги чақноқлик, нур; 7 ўт (ўқ) ёмғири; ўт (ўқ) ёғдириш; ўт; **артиллери́йский ~** тўплардан ўт (ўқ) ёғдириш; артиллерия ўти; **вести́ ~ по пози́циям врага́** душман позицияларига ўт (ўқ) ёғдирмоқ; душман позицияларини ўққа тутмоқ; **откры́ть ~** ўт очмоқ, ўқ ёғдирмоқ; **прекрати́ть ~** отишни тўхтатмоқ; **попа́сть под ~** ўқ ёмғирига дуч келмоқ; ~! ўт оч!; ✦ **в огне́** 1) ўтдек ёниб, иситмалаб; 2) жангда; **в ~и во́ду** (готов, пойду́ и т. п.) ўзини ўтга ҳам,

www.ziyouz.com kutubxonasi

ОЖЕСТОЧЁНН/ЫЙ, -ая, -ое 1 *прич. от* **ожесточи́ть;** 2 *в знач. прил.* қаттиқ жаҳли чиққан, ғазаби қайнаган, дарғазаб; 3 *в знач. прил.* раҳмсиз, шафқатсиз, бағритош, қаҳри қаттиқ; **~ый враг** шафқатсиз душман; 4 *в знач. прил.* кескин, қаттиқ, шиддатли; **встре́тить ~ое сопротивле́ние** қаттиқ қаршиликка учрамоқ, кескин қаршиликка дуч келмоқ.

ОЖЕСТОЧИ́ТЬ *сов.* (*несов.* **ожесточа́ть**) *кого-что* 1 қаттиқ жаҳлини чиқармоқ, ғазабини қайнатмоқ, дарғазаб қилмоқ; 2 раҳмсиз (шафқатсиз, бешафқат) қилиб юбормоқ, тошюрак (бағритош) қилиб қўймоқ, дийдасини қотирмоқ.

ОЖЕСТОЧИ́ТЬСЯ *сов.* (*несов.* **ожесточа́ться**) 1 қаттиқ жаҳли чиқмоқ, ғазаби қайнамоқ, дарғазаб бўлмоқ; 2 раҳмсиз (шафқатсиз, бешафқат) бўлиб кетмоқ, тошюрак (бағритош) бўлиб қолмоқ, қаҳри (дийдаси) қотмоқ.

ОЖЕ́ЧЬ, ожгу́, ожжёшь; ожёг, ожгла́ *сов.* (*несов.* **ожига́ть**) 1 *то же, что* **обже́чь;** 2 *перен. кого разг.* жонини ачитиб урмоқ, саваламоқ; **~ плёткою** қамчи билан жонини ачитиб урмоқ (саваламоқ).

ОЖЕ́ЧЬСЯ, ожгу́сь, ожжёшься; ожёгся, ожгла́сь (*несов.* **ожига́ться**) *сов. то же. что* **обже́чься.**

ОЖИВА́ТЬ *несов. см.* **ожи́ть.**

ОЖИВИ́/ТЬ, -влю́, -ви́шь *сов.* (*несов.* **оживля́ть**) 1 *кого* тирилтирмоқ, жон киритмоқ, жонини сақлаб қолмоқ; **~ть утопленника** сувга чўккан кишини тирилтирмоқ; 2 *кого-что* тетиклаштирмоқ, тирилтирмоқ, бардам қилмоқ, жон киритмоқ; **~ть организм** организмга жон киритмоқ, организмни тетиклаштирмоқ; 3 *кого* кучига куч қўшмоқ, тетиклаштирмоқ, жонлантирмоқ, ғайрат бағишламоқ; **ра́достная весть ~ла его́** хушхабар уни тетиклаштирди (жонлантириб юборди); 4 *перен. что* эсига солмоқ, ёдига туширмоқ, гавдалантирмоқ, уйғотмоқ; **письмо́ дру́га ~ло в мое́й па́мяти шко́льные го́ды** дўстимнинг хати мактаб йилларидаги хотираларни эсимга солди; 5 *что* ҳаёт асари билан тўлдирмоқ, жонлантирмоқ, жой (руҳ, файз) киритмоқ; **прие́зд дете́й ~л дом** болаларнинг келиши уйга жон киритди; 6 *что* жон киритмоқ, жонлантирмоқ, қизитиб юбормоқ, қизғин тус бермоқ; **~ть рабо́ту** ишни жонлантирмоқ, ишни қизитиб юбормоқ; **~ть бесе́ду** суҳбатни жонлантирмоқ; 7 *что* чиройли (жозибали) қилмоқ, чирой (кўрк) бермоқ (бағишламоқ), безамоқ, ҳуснини очмоқ, **ковёр ~л ко́мнату** гилам хонага чирой бағишлади, гилам уйни очиб юборди; **пла́тье на́до ~ть отде́лкой** кўйлакни безаклар билан чиройли қилмоқ керак.

ОЖИВИ/ТЬСЯ, -влю́сь, -ви́шься *сов.* (*несов.* **оживля́ться**) 1 *уст.* жонланмоқ, руҳланмоқ, жон кирмоқ; 2 жонланмоқ, тетиклашмоқ, очилиб кетмоқ; **хозя́йка ~лась с прихо́дом долгожда́нных госте́й** кутилган меҳмонлар келиши билан уй бекаси жонланиб (очилиб) кетди; 3 чақнамоқ, ёнмоқ; **глаза́ его́ ~лись** унинг кўзлари чақнаб кетди; 4 ҳаёт асари билан тўлмоқ, жонланмоқ, жон (руҳ, файз) кирмоқ; **го́род ~лся перед пра́здником** байрам олдидан

www.ziyouz.com kutubxonasi

шаҳар жонланди; **5 жонланмоқ, қизимоқ, қизғин** тус олмоқ; **торго́вля ~лась** савдо-сотиқ жонланди; **рабо́та ~лась** иш қизиб кетди.

ОЖИВЛЕ́НИЕ *с* 1 *по гл.* **оживи́ть — оживля́ть** и **оживи́ться — оживля́ться; ~ органи́зма** организмни жонлантириш; 2 жонланиш, тетик руҳ, яхши кайфият, ғайрат, авж; **го́сти внесли́ ~ в дом** меҳмонлар уйга жонланиш киритди; **~ в рабо́те** ишда жонланиш; **~ в торго́вле** савдо-сотиқда жонланиш; қизғин савдо-сотиқ; **~ в эконо́мике** экономикада жонланиш.

ОЖИВЛЁНН/ЫЙ, -ая, -ое 1 *прич. от* **оживи́ть**; 2 *в знач. прил.* руҳи кўтарилган, қайфи чоғ, шодмон; ҳаяжонли, безовта, ғовур-ғувур; **~ый вид** хуррам кўриниш; ҳаяжонли чеҳра; **~ая толпа́** ҳаяжонли (ҳаяжондаги) оломон; ғовур-ғувур оломон; 3 *в знач. прил.* қизғин, жўшқин, жонли, чаққон; **~ая бесе́да** қизғин суҳбат; **~ая торго́вля** қизғин (чаққон) савдо; 4 *в знач. прил.* ҳаёт қайнаган, қайноқ; гавжум; **~ое вре́мя** ҳаёт (иш ва ҳ. к.) қайнаган вақт; **~ые у́лицы** ҳаёт қайнаган кўчалар, гавжум, серқатнов кўчалар.

ОЖИВЛЯ́ТЬ *несов. см.* **оживи́ть.**

ОЖИВЛЯ́ТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **оживи́ться**; 2 *страд. от* **оживля́ть.**

ОЖИВОТВОРИ́ТЬ *сов.* (*несов.* **оживотворя́ть**) *кого-что книжн. уст.* тирилтирмоқ, жон киргизмоқ, жонлантирмоқ, ғайратлантирмоқ.

ОЖИВОТВОРИ́ТЬСЯ, -и́тся *сов.* (*несов.* **оживотворя́ться**) *книжн. уст.* жонланмоқ, жон кирмоқ.

ОЖИВОТВОРЯ́ТЬ *несов. см.* **оживотвори́ть.**

ОЖИВОТВОРЯ́ТЬСЯ, -я́ется *несов. см.* **оживотвори́ться.**

ОЖИГА́ТЬ *несов. см.* **ожёчь.**

ОЖИГА́ТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **ожёчься**; 2 *страд. от* **ожига́ть.**

ОЖИДА́НИ/Е *с* 1 *по гл.* **ожида́ть; зал ~я** кутиш зали; **в ~и по́езда** поездни кутиб; 2 кутилган натижа, тахмин; умид, орзу, тилак, ишонч; **вопреки́ ~ю** кутмаганда, истаккa қарши; **сверх вся́ких ~й** кутгандан (кутилгандан) ҳам ортиқ; **не оправда́ть ~й** ишончни оқламаслик, ўйлагандай (орзу қилгандай) бўлиб чиқмаслик; **обману́ть чьи-л. ~я** бировнинг умидини (орзусини) пучга чиқармоқ.

ОЖИДА́/ТЬ *сов.* 1 *кого-что* и *чего* кутмоқ, кўз тутмоқ, қараб турмоқ, интизор бўлмоқ; **~ть авто́буса** автобус кутмоқ; **~ть письма́** хат кутмоқ; **я вас ~л ещё вчера́** мен сизни кеча кутган эдим; 2 *что* и *чего* кутмоқ, тахмин қилмоқ, ...деб ўйламоқ; **как и сле́довало ~ть** худди ўйлагандек (тахмин қилганидек) бўлиб чиқди; **~ть неприя́тностей** кўнгилсиз ҳодиса юз беради деб ўйламоқ (кутмоқ); **э́того я от вас не ~л** мен сиздан буни кутмаган эдим; **все ~ли уви́деть вас на ле́кции** сизни ҳамма лекцияда кўраман (учратаман) деб ўйлаган эди; 3 *кого* кутмоқ, олдинда турмоқ; **его́ ~ло блестя́щее бу́дущее** уни порлоқ истиқбол кутар эди; **нас ~л до́лгий путь** олдимизда узоқ сафар турар эди.

ОЖИДА́/ТЬСЯ, -а́ется *несов.* 1 кутилмоқ, эҳтимол тутилмоқ, эҳтимоли бор бўлмоқ; **весна́ ~ется по́здняя** баҳорнинг кеч келиш эҳтимоли бор; **сего́дня дождя́ не ~ется** бугун ёмғир кутилмайди; 2 *страд. от* **ожида́ть** 1.

ОЖИДА́ЮЩИЙ, -ая, -ее 1 *прич. от* **ожида́ть**; 2 *в знач. прил.* кўз тутган, умид қилган, умидвор; **~взгляд** умидвор қараш.

ОЖИРЕ́ЛЫЙ, -ая, -ое семиз, семириб кетган, ёғ босган.

ОЖИРЕ́НИЕ *с по гл.* **ожире́ть; ~ се́рдца** юракнинг ёғ босиб кетиши.

ОЖИРЕ́ТЬ *сов.* семирмоқ, семириб кетмоқ, ёғ босиб кетмоқ.

ОЖИ́ТЬ, -иву́, -ивёшь *сов.* (*несов.* **ожива́ть**) 1 тирилмоқ, жон кирмоқ; 2 *перен.* ўзига келмоқ, жонланмоқ, тетиклашмоқ, жон кирмоқ, тетик бўлиб қолмоқ; 3 *перен.* қайталанмоқ, тирилмоқ, тикланмоқ, жонланмоқ, уйғонмоқ; **воспомина́ния о́жили** хотиралар жонланди; 4 жонланмоқ, қизимоқ, жонланиб кетмоқ, ҳаёт билан қайнамоқ; **лес о́жил, напо́лнился пти́чьим го́моном** ўрмон қушларнинг чуғур-чуғурига тўлиб жонланиб қолди.

ОЖО́Г *м* 1 куйиш, куйиб **қолиш; ~ второ́й сте́пени** иккинчи даражали куйиш; **у него́ ~ ступне́й** унинг товони куйиб қолган; **получи́ть тяжёлые ~и** қаттиқ (ёмон) куйиб қолмоқ; 2 куйган жой, куюк; **перевяза́ть ~и** куйган жойларини боғламоқ; **он весь в ~ах от крапи́вы** унинг ҳамма ёғини газанда ўт талаб куйдириб (қизартириб) юборибди (юборган).

ОЗАБО́ТИТЬ, -о́чу, -о́тишь *сов.* (*несов.* **озабо́чивать**) *кого* ташвишлантирмоқ, ташвишга солмоқ, ғами тушмоқ, хавотирга (хавотирликка) солиб қўймоқ.

ОЗАБО́ТИТЬСЯ, -о́чусь, -о́тишься *сов.* (*несов.* **озабо́чиваться**) *чем* и *о ком-чём* ташвишини қилмоқ, ғамини емоқ, ўйламоқ, ғамини еб қўймоқ; **Пре́жде на́до бы́ло ~ о ма́тушке** (Тургенев) Аввало онанинг ғамини ейиш керак эди.

ОЗАБО́ЧЕННО *нареч.* ташвишланиб, ташвишга тушиб, ташвиш билан, хавотир олиб, ўйлаб.

ОЗАБО́ЧЕННЫЙ, -ая, -ое 1 *прич. от* **озабо́тить**; 2 *в знач. прил.* ташвишли, ташвишланган, ташвишга тушган; **~ челове́к** ташвишланган одам, ташвишли одам; 3 *в знач. прил.* ташвишланганликни ифодаловчи, ташвишли; **~ вид** ташвишли кўриниш.

ОЗАБО́ЧИВАТЬ *несов. см.* **озабо́тить.**

ОЗАБО́ЧИВАТЬСЯ *несов. см.* **озабо́титься.**

ОЗАГЛА́ВИТЬ, -влю, -вишь *сов.* (*несов.* **озагла́вливать**) *что* сарлавҳа қўймоқ, ном қўймоқ, атамоқ; **~ кни́гу** китобга ном (сарлавҳа) қўймоқ.

ОЗАГЛА́ВЛИВАТЬ *несов. см.* **озагла́вить.**

ОЗАДА́ЧЕННЫЙ, -ая, -ое боши қотган, нима қилишини билмай қолган, ҳайратда қолган, гаранг, ҳайронликдаги; **~ взгляд** ҳайрон бўлиб қараш, ҳайратдаги чеҳра; **у неё ~ вид** у ҳайрон (боши қотган) кўринади.

ОЗАДА́ЧИВАТЬ *несов. см.* **озада́чить.**

ОЗАДА́ЧИВАТЬСЯ *несов. см.* **озада́читься.**

ОЗАДА́ЧИТЬ *сов.* (*несов.* **озада́чивать**) *кого* бошини қотирмоқ, ўйга солмоқ, гаранг қилмоқ, ташвишга солиб қўймоқ.

ОЗАДА́ЧИТЬСЯ *сов.* (*несов.* **озада́чиваться**) *разг.* боши қотмоқ, гаранг бўлиб қолмоқ, ташвиш тортмоқ.

ОЗАРЕ́НИЕ *с* 1 *по гл.* **озари́ть** 1 и **озари́ться**; 2 *перен.* ногаҳон эсига тушиш, бирдан эсига (ақлига, миясига) келиш, фикри (ақли) равшанлашиш; 3 *перен.* гул-гул очилиш, яшнаш, барқ уриш, дили ёришиш; **счастли́вое ~** бахтиёрликдан дили ёришиш.

ОЗАРИ́/ТЬ, -и́т *сов.* (*несов.* **озаря́ть**) 1 *кого-что* ёритмоқ, нур сочмоқ, равшан (мунаввар) қилмоқ; **я́ркие со́лнечные лучи́ ~ли всё вокру́г** ёркин қуёш нури бутун атрофни ёритди (ёритиб юборди); 2 *перен. кого-что* жонлантирмоқ, руҳлантирмоқ, гул-гул очмоқ; дилини ёритмоқ; **улы́бка ~ла лицо́ де́вушки** табассум қизнинг юзини гул-гул очиб юборди; 3 *перен. кого* бирдан пайдо бўлмоқ, туғилмоқ, ақлга (мияга) келмоқ; фикри (ақли) равшанлашмоқ; **его́ ~ла но́вая иде́я** унда янги бир ғоя пайдо бўлди; ялт этиб унинг бошига янги бир фикр келди; **меня́ ~ло, и я по́нял суть де́ла** ялт этиб фикрим равшанлашди ва ишнинг моҳиятига тушуниб етдим.

ОЗАРИ́/ТЬСЯ *сов.* (*несов.* **озаря́ться**) 1 ёришмоқ, порламоқ, равшан (мунаввар) бўлмоқ; **ко́мната ~лась со́лнцем** хона офтобда ёришди, хона қуёш нури билан равшан (мунаввар) бўлди; 2 *перен.* гул-гул очилмоқ, яшнамоқ, барқ урмоқ, дили ёришмоқ; **~ться сча́стьем** бахти қулиб, гул-гул очилиб кетмоқ.

ОЗАРЯ́ТЬ *несов. см.* **озари́ть.**

ОЗАРЯ́ТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **озари́ться**; 2 *страд. от* **озаря́ть.**

ОЗВЕРЕ́ЛЫЙ, -ая, -ое одам қиёфасини йўқотган, ваҳшийлашган, йиртқичлашган, қутурган, ваҳший, йиртқич; **~ враг** ваҳший душман.

ОЗВЕРЕ́НИ/Е *с по гл.* **озвере́ть; дойти́ до ~я от зло́бы** жаҳлдан ваҳшийлик даражасига етмоқ; **дра́ться с ~ем** жон-жаҳд билан (ўлар-тириларига қарамай) олишмоқ.

ОЗВЕРЕ́ТЬ *сов.* 1 одам қиёфасини йўқотмоқ, ваҳшийлашиб кетмоқ, йиртқичлашмоқ, қутурмоқ; **~ в одино́честве** ёлғизликдан ваҳшийлашиб кетмоқ; 2 қаттиқ ғазабланмоқ, **дарғазаб бўлмоқ, жаҳли чиқмоқ, қутурмоқ.**

www.ziyouz.com kutubxonasi

ОЗВУ́ЧИВАТЬ *несов. см.* **озву́чить.**

ОЗВУ́ЧИТЬ *сов.* (*несов.* **озву́чивать**) *что* овозли қилмоқ; ~ **кинофи́льм** кинофильмни овозли қилмоқ.

ОЗДОРОВИ́ТЕЛЬНЫ/Й, -ая, -ое соғломлаштиришга қаратилган; соғломлаштириш...; ~**й ла́герь для дете́й** болалар учун соғломлаштириш лагери; ~**е мероприя́тия** соғломлаштириш тадбирлари.

ОЗДОРОВИ́ТЬ, -влю́, -ви́шь *сов.* (*несов.* **оздоровля́ть**) 1 *кого* соғайтирмоқ, соғлом қилмоқ, соғлиғини яхшиламоқ, тузатмоқ; 2 *что* соғломлаштирмоқ, соғлиқ учун яхши аҳволга келтирмоқ; яхшиламоқ; ~ **ме́стность** жойни соғломлаштирмоқ; ~ **усло́вия труда́** меҳнат шароитларини соғломлаштирмоқ (яхшиламоқ); 3 *перен. что* соғломлаштирмоқ, соғлом (нормал) аҳволга келтирмоқ; ~ **обстано́вку** аҳволни (вазиятни) соғломлаштирмоқ; ~ **эконо́мику** экономикани соғломлаштирмоқ.

ОЗДОРОВЛЕ́НИЕ *с по гл.* **оздорови́ть — оздоровля́ть**; ~ **ме́стности** жойни соғломлаштириш; ~ **фина́нсов** молия ишларини соғломлаштириш.

ОЗДОРОВЛЯ́ТЬ *несов. см.* **оздорови́ть.**

ОЗЕЛЕНЕ́НИЕ *с по гл.* **озелени́ть — озеленя́ть**; ~ **го́рода** шаҳарни кўкаламзорлаштириш.

ОЗЕЛЕНИ́ТЕЛЬ *м* кўкаламзорлаштирувчи, кўкаламзорлаштириш ишлари билан шуғулланувчи ходим, мутахассис.

ОЗЕЛЕНИТЕЛЬНЫ/Й, -ая, -ое кўкаламзорлаштиришга оид; кўкаламзорлаштириш...; ~**е рабо́ты** кўкаламзорлаштириш ишлари.

ОЗЕЛЕНИ́ТЬ *сов.* (*несов.* **озеленя́ть**) *что* кўкаламзорлаштирмоқ, кўкаламзор қилмоқ, кўкаламзорга айлантирмоқ; ~ **у́лицы** кўчаларни кўкаламзор қилмоқ.

ОЗЕЛЕНЯ́ТЬ *несов. см.* **озелени́ть.**

О́ЗЕМЬ *нареч. разг.* ерга; **гро́хнуться** ~ ерга гурс этиб йиқилмоқ.

ОЗЁРН/ЫЙ, -ая, -ое 1 кўлга оид; кўлда бўладиган; кўл...; ~**ая ры́ба** кўл балиғи; ~**ый флот** кўл флоти; 2 кўли кўп, серкўл; ~**ый край** серкўл ўлка.

ОЗЕ́РО *с, мн.* **озёра** кўл; **высокого́рное** ~ баланд тоғ кўли; **прото́чное** ~ оқар кўл; **солёное** ~ шўр кўл.

ОЗЕРОВЕДЕ́НИЕ *с* кўлшунослик.

О́ЗИМ/ЫЙ, -ая, -ое 1 кузги, кузда экилган (экиладиган); ~**ые культу́ры** кузги экинлар; ~**ая пшени́ца** кузги буғдой; ~**ые посе́вы** кузги (кузда экилган) экинлар; 2 *в знач. сущ.* ~**ые** *мн.* кузги экинлар; **вспа́шка под** ~**ые** кузги экин учун ер ҳайдаш.

О́ЗИМ/Ь *ж* 1 кузги (кузда экилган) экинлар; ~**ь зазелене́ла** кузги экинлар кўкариб қолди (кўм-кўк бўлиб униб чиқди); 2 кузги экин даласи; **зелёные** ~**и** кўм-кўк кузги экин далалари.

ОЗИ́РА/ТЬ *несов. кого-что книжн.* аланглаб қарамоқ, кўз ташламоқ, назар солмоқ; ~**ть ме́стность** атрофга қарамоқ, атрофга назар ташламоқ.

ОЗИ́РА/ТЬСЯ *несов.* 1 атрофга қарамоқ, атрофга кўз ташламоқ, назар солмоқ, аланглаб; ~**ться круго́м** атрофга қарамоқ, атрофни кўздан кечирмоқ; 2 қайрилиб қарамоқ, орқасига қарамоқ; **бежа́ть, не** ~**ясь** орқасига қарамай югурмоқ, қочмоқ.

ОЗЛО́Б/ИТЬ, -блю́, -бишь *сов.* (*несов.* **озлобля́ть**) *кого* ғазабини келтирмоқ (оширмоқ), ғазаблантирмоқ; қаттиқ хафа (норози) қилмоқ; дийдасини (қаҳрини) қотирмоқ, қутуртирмоқ; **неуда́чи** ~**или его́** муваффақиятсизликлар унинг ғазабини келтирди; **он кра́йне** ~**лен** у ғоят дарғазаб (ғазабга тўлган), унинг қаҳри қотган.

ОЗЛО́БИТЬСЯ, -блю́сь, -бишься *сов.* (*несов.* **озлобля́ться**) қаттиқ ғазабланмоқ, хафа (норози) бўлмоқ; қаҳри (дийдаси) қотмоқ, қутурмоқ; ~ **на всех** ҳаммадан хафа (норози) бўлмоқ; ~ **из-за пустяко́в** бекорга жаҳли чиқмоқ.

ОЗЛО́БЛЕНИЕ *с* 1 *по гл.* **озло́бить** и **озло́биться**; **впасть в** ~ аччиқланмоқ, ғазабланмоқ, ғазабга келмоқ; 2 жаҳл, қаҳр, ғазаб; **вы́местить на окружа́ющих своё** ~ аччиғини (заҳрини) атрофдагиларга сочмоқ; **с** ~**м** ғазабланиб, ғазаб билан, қаҳр-заҳрини сочиб.

ОЗЛО́БЛЕННЫЙ, -ая, -ое 1 *прич. от* **озло́бить**; 2 *в знач. прил.* жаҳли чиққан, ғазаби келган (қайнаган, ошган), дарғазаб; дийдаси қотган, ҳамма нарсадан хафа, норози, ~ **челове́к** жаҳли чиққан одам, дарғазаб одам; ҳаммадан (ҳамма нарсадан) хафа одам; 3 *в знач. прил.* аччиқ (ғазаб) ифодалайдиган, ғазабли, дарғазаб; ~ **вид** ғазабли қиёфа; **бро́сить** ~ **взгляд** ғазабли нигоҳ ташламоқ, ғазаб билан қарамоқ, ўқраймоқ.

ОЗЛОБЛЯ́ТЬ *несов. см.* **озло́бить.**

ОЗЛОБЛЯ́ТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **озло́биться**; 2 *страд. от* **озлобля́ть.**

ОЗНАКО́МИТЬ, -млю, -мишь *сов.* (*несов.* **ознакомля́ть**) *кого* таништирмоқ, ошна қилмоқ, кўрсатмоқ, таништириб чиқмоқ; ~ **шко́льников с а́збукой Мо́рзе** мактаб ўқувчиларини Морзе алифбеси билан таништирмоқ; ~ **с но́вым прое́ктом** янги лойиҳа билан таништирмоқ; ~ **с положе́нием (обстано́вкой)** аҳвол (вазият) билан таништирмоқ.

ОЗНАКО́МИТЬСЯ, -млюсь, -мишься *сов.* (*несов.* **ознакомля́ться**) танишмоқ, ошна бўлмоқ, кўрмоқ, танишиб чиқмоқ; ~ **с обстано́вкой** шароит билан танишмоқ, аҳволни (шароитни) ўрганмоқ.

ОЗНАКОМЛЕ́НИЕ *с* таништириш; таништириш; ~ **с но́вой те́мой** янги тема билан таништириш; ~ **с го́родом** шаҳар билан таништириш; шаҳарни айланиб, танишиб чиқиш.

ОЗНАКО́МЛЯТЬ *несов. см.* **ознако́мить.**

ОЗНАКО́МЛЯ́ТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **ознако́миться**; 2 *страд. от* **ознакомля́ть.**

ОЗНАМЕНОВА́НИЕ *с по гл.* **ознаменова́ть**; ✦ **в** ~ *чего* бирор нарсанинг шарафига; бирор нарсани нишонлаш муносабати билан; **в** ~ **побе́ды** ғалабани нишонлаш учун, ғалаба шарафига.

ОЗНАМЕНОВА/ТЬ, -ну́ю, -ну́ешь *сов.* (*несов.* **ознамено́вывать**) *что чем* 1 билдирмоқ, англатмоқ, кўрсатмоқ, ифодаламоқ, ...дан дарак (нишон) бермоқ, гувоҳлик бермоқ; **Вели́кий Октя́брь** ~**л собо́й нача́ло но́вой э́ры в исто́рии челове́чества** Улуғ Октябрь инсоният тарихида янги даврни бошлаб берди; 2 нишонламоқ; ~**ть Пе́рвое Ма́я но́выми трудовы́ми успе́хами** Биринчи Майни меҳнатда янги муваффақиятлар билан нишонламоқ.

ОЗНАМЕНОВА/ТЬСЯ, -ну́ется *сов.* (*несов.* **ознамено́вываться**) *чем* нишонланмоқ, маълум бўлмоқ, танилмоқ; **1945 год** ~**лся побе́дой сове́тского наро́да в Вели́кой Оте́чественной войне́** 1945 йил совет халқининг Улуғ Ватан урушидаги ғалабаси билан нишонланди.

ОЗНАМЕНО́ВЫВАТЬ *несов см.* **ознаменова́ть.**

ОЗНАМЕНО́ВЫВАТЬСЯ, -ается *несов.* 1 *см.* **ознаменова́ться**; 2 *страд. от* **ознамено́вывать.**

ОЗНА́ЧА/ТЬ *несов.* 1 *см.* **озна́чить**; 2 *что* билдирмоқ, маъно англатмоқ, маъно бермоқ; 3 *что* билдирмоқ, кўрсатмоқ, ифодаламоқ; **что э́то** ~**ет?** бу нимани билдиради?; бу нимаси?; **что бы э́то могло́** ~**ть** бу нима бўлиши мумкин?; **э́то ещё ничего́ не** ~**ет** бу ҳали ҳеч нарса эмас; **э́то** ~**ет, что...** бунинг маъноси шуки...; бу шуни билдирадики...; бу ...демакдир; 4 *что* тенг (баравар) бўлмоқ, ...деган сўз бўлмоқ; **Идти́ в ге́тто бы́ло безу́мие. Э́то** ~**ло ве́рную смерть** (Катаев) Геттога бориш ақлсизлик бўлар эди, чунки бу муқаррар ўлимга бориш деган сўз эди.

ОЗНА́ЧАТЬСЯ, -а́ется *несов.* 1 *см.* **озна́читься**; 2 *страд. от* **озна́чать** 1.

ОЗНА́ЧЕНН/ЫЙ, -ая, -ое 1 *прич. от* **озна́чить**; 2 *в знач. прил. книжн.* мазкур, зикр қилинган, кўрсатилган, айтилган; **в** ~**ое вре́мя** кўрсатилган (белгиланган) вақтда.

ОЗНА́ЧИТЬ *сов.* (*несов.* **озна́чать**) *что уст.* 1 белгиламоқ, ажратиб кўрсатмоқ; ~ **кре́стиком** крест билан белгиламоқ; **уча́сток озна́чен ко́льями** участка қозиқлар билан ажратиб кўрсатилган; 2 белгиламоқ; тайинламоқ; ~ **ме́сто встре́чи** учрашув жойини белгиламоқ; ~ **вре́мя отъе́зда** кетиш вақтини белгиламоқ.

ОЗНА́ЧИ/ТЬСЯ, -ится *сов.* (*несов.* **озна́чаться**) *уст.* кўринмоқ, кўриниб турмоқ, ажралиб кўринмоқ, билиниб турмоқ; **вдали́** ~**лись го́ры** узоқдан тоғлар кўрина бошлади.

ОЗНО́Б *м* титраш, қалтираш, бадан (эт) увушиш; қалтироқ, титроқ; сўзак; **не́рвный** ~ асабдан (асабий) титраш; **по мое́й спине́ пробежа́л** ~ этим жимирлаб кетди.

ОЗОКЕРИ́Т *м мин.* озокерит, тоғ муми.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ОЗОКЕРИТОВЫЙ, -ая, -ое озокеритга оид; озокерит...

ОЗОЛОТИ/ТЬ, -очу́, -оти́шь *сов. кого-что* 1 зарҳаллamoқ, олтин тусига киритмоқ, олтиндай ярқиратмоқ, товлантирмоқ; **со́лнце ~ло степь** қуёш даштларни олтин тусига киритди (олтиндай товлантирди); 2 *разг.* бойитмоқ, зарга ботирмоқ; **~ть с ног до голово́й** бошидан тилла сочмоқ (зар қуймоқ), зарга кўмиб юбормоқ.

ОЗОЛОТИ/ТЬСЯ, -и́тся *сов.* олтин тусига кирмоқ, олтиндай ярқирамоқ, ялтирамоқ, товланмоқ; **на у́тренней заре́ ~лись сне́жные верши́ны** тонг шафағида қорли тоғ чўққилари ярқираб кетди (кўринди).

ОЗО́Н *м* озон (кислороднинг уч атомли молекуласидан иборат газ, кислороднинг бир кўриниши).

ОЗОНА́ТОР *м* озонатор (ҳавони озонга бойитувчи асбоб).

ОЗОНИЗА́ЦИЯ *ж* озонлаш, озон таъсирида тозалаш.

ОЗОНИ́РОВАНИЕ *с по гл.* **озони́ровать; ~ помеще́ния** бинони озонлаб тозалаш.

ОЗОНИ́РОВАТЬ *сов.* и *несов. что* 1 озонламоқ, озонга айлантирмоқ; 2 озонламоқ, озон таъсирида (озонлаб) тозаламоқ; **~ во́здух** ҳавони озон таъсирида тозаламоқ.

ОЗО́НОВЫЙ, -ая, -ое озонга оид; озондан иборат бўлган; озон...

ОЗО́РНИК *м, р.* **-а́** 1 *разг.* шўх бола, шум бола, тўполончи, шумтака, хувари, зинда; 2 *прост.* уришқоқ одам, тўполончи, жанжалкаш, бевош.

ОЗОРНИ́ЦА *ж см.* **озорни́к.**

ОЗОРНИЧА́ТЬ *несов.* 1 *разг.* шўхлик қилмоқ, тўполон қилмоқ; 2 *прост.* жанжал-тўполон қилмоқ, уриш (жанжал) чиқармоқ.

ОЗО́РНО/Й, -а́я, -о́е 1 *разг.* шўх, тўполончи, шумтака; **~й ма́льчик** шўх бола; 2 *прост.* жанжалкаш, тўполончи, уришқоқ, бевош; **~е поведе́ние** жанжалкашлик; бевошлик.

ОЗО́РСТВО *с* 1 *разг.* шўхлик, шумлик; **де́тское ~** болаларга хос шўхлик; 2 *прост.* жанжалкашлик, тўполончилик, уришқоқлик, бевошлик, жанжал-тўполон.

ОЗЯБ/НУ́ТЬ, -ну, -нешь; озя́б, -ла *сов.* (*несов.* **зя́бнуть**) совқотмоқ, совуқ емоқ, музлаб кетмоқ; **ты не ~?** совуққа қотмадингми?, совқотмадингми?; **у меня́ ~ли но́ги** оёқларим совқотди, оёқларим музлаб кетди.

ОЙ и **ОЙ-ОЙ-ОЙ** *межд.* 1 оғриқ, қўрқув каби ҳиссиётларни ифодалайди; ой, вой, вай; **ой, кто тут?** вой, ким у?; вой, бу ерда ким бор?; 2 таажжуб, таҳсин, қувонч каби ҳис-туйғуларни ифодалайди; оҳ, ҳай-ҳай, воҳ-воҳ-воҳ; **ой, кака́я пре́лесть!** оҳ, бу қандай гўзаллик!; **ой, как хорошо́, что вы пришли́!** ҳай-ҳай, келганингиз қандай яхши бўлди-я!; 3 войбў(й), ҳай, дариғ, афсус; **ой-ой-ой! Как ты побледне́л!** войбў(й) мунча (нега мунча) оқариб кетдинг?

ОЙКАТЬ *несов.* (*сов.* **о́йкнуть**) *разг.* войвойламоқ, додвойламоқ, оҳ-воҳламоқ; ҳай-ҳай демоқ, таҳсин ўқимоқ.

ОЙКНУ́ТЬ *сов. однокр. см.* **о́йкать; ~ от испу́га** қўрққанидан войдод деб юбормоқ.

ОЙКУМЕ́НА *ж геогр.* ойкумена (ер шарининг одамзод яшайдиган қисми).

ОЙ ЛИ *межд. разг.* наҳотки, наҳотки шундай бўлса, шундоқмикин, йўғ-э; **он сам сказа́л.— О́й ли?** унинг ўзи айтди.— Наҳотки?

ОЙРО́Т *м см.* **ойро́ты.**

ОЙРО́ТКА *ж, р. мн.* **-ток** ойрот аёл; *см.* **ойро́ты.**

ОЙРО́ТЫ *мн.* (*ед.* **ойро́т** *м,* **ойро́тка** *ж*) *уст. то же, что* **алта́йцы.**

ОКАЗА́НИЕ *с по гл.* **оказа́ть** 2; **~ внима́ния** эътибор бериш, илтифот кўрсатмоқ; **~ по́мощи** ёрдам кўрсатиш, ёрдам қилиш; **~ соде́йствия** ёрдамлашиш, кўмаклашиш.

ОКАЗА́ТЬ, -ажу́, -а́жешь *сов.* (*несов.* **ока́зывать**) *что* 1 *уст.* кўрсатмоқ, намоён қилмоқ; 2 баъзи отлар билан келиб, «кўрсатмоқ», «бермоқ», «қилмоқ», «билдирмоқ» каби маъноларни билдиради; **~ возде́йствие** таъсир қилмоқ, таъсир кўрсатмоқ; **~ гостеприи́мство** меҳмондўстлик қилмоқ; **~ давле́ние** *на кого-л.* бировга таъсир этмоқ, тазйиқ қилмоқ; **~ внима́ние** эътибор бермоқ, илтифот кўрсатмоқ; **~ подде́ржку** қўллаб-қувватламоқ; **~ по́мощь** ёрдам кўрсатмоқ, ёрдам бермоқ; **~ пе́рвую по́мощь** биринчи ёрдам кўрсатмоқ; **~ соде́йствие** *в чём-л.* ёрдам бермоқ, ёрдамлашмоқ; **~ сопротивле́ние** қаршилик кўрсатмоқ; **~ хоро́ший приём** яхши кутиб олмоқ; **~ предпочте́ние** афзал кўрмоқ; **~ честь** иззатламоқ, ҳурматламоқ, иззат қилмоқ, ҳурматини бажо келтирмоқ.

ОКАЗА/ТЬСЯ, -ажу́сь, -а́жешься *сов.* (*несов.* **ока́зываться**) 1 *уст.* маълум бўлмоқ, билинмоқ, сезилиб қолмоқ; **Вско́ре в Оренбу́рге ~лся недоста́ток в се́не** (Пушкин) Кўп ўтмай Оренбургда пичан танқислиги сезилиб қолди; 2 топилмоқ, бор (мавжуд) бўлмоқ, чиқмоқ; **кни́га ~лась в шкафу́** китоб жавонда экан; китоб жавондан чиқди (топилди); **свобо́дных номеро́в не ~лось** бўш номерлар йўқ экан; **при нём не ~лось докуме́нтов** унинг ёнида ҳужжати йўқ экан; 3 бориб қолмоқ, келиб қолмоқ, ҳозир бўлмоқ; **час полёта — и мы ~лись в Алма́-Ате́** бир соат учиб Олмаотага бориб қолдик (қолибмиз); **как ты здесь ~лся?** сен қандай қилиб бу ерга келиб қолдинг?; 4 бирор аҳволда қолмоқ, бир аҳволга тушмоқ; **~ться в опа́сности** хавфли аҳволга тушмоқ, хавф-хатарда қолмоқ; **~ться в затрудни́тельном положе́нии** қийин аҳволга тушмоқ, оғир вазиятда қолмоқ; **~ться в нело́вком положе́нии** ўнғайсиз (ноқулай) аҳволга тушмоқ; **~ться в вы́игрыше** бирор ишда (ўйинда ва ҳ. к.) ютмоқ, ютуққа эга бўлмоқ; **~ться в плену́ свои́х чувств** ўз ҳиссиётларининг асири бўлиб қолмоқ; 5 қандайлиги (кимлиги ва ҳ. к.) маълум бўлмоқ, билинмоқ, бўлиб чиқмоқ; **арбу́з ~лся несла́дким** тарвуз ширин эмас экан, тарвуз ширин чиқмади; **он ~лся прия́тным собесе́дником** у яхши суҳбатдош (суҳбати ширин одам) экан; **они́ ~лись знако́мыми** улар таниш эканлар, улар таниш чиқишди; **пяти́ рубле́й ~лось недоста́точно** беш сўм етмас экан, беш сўм камлик қилар экан; **он ~лся прав** (или **не пра́в**) у ҳақ (ёки ноҳақ) экан; 6 *безл.* аниқланмоқ, бўлиб чиқмоқ; **~лось, что э́то пра́вда** бу тўғри бўлиб чиқди; **~лось, что уже́ по́здно** вақт ўтиб қолган экан; кеч бўлибди; вақт (фурсат) қўлдан берилибди.

ОКА́ЗИЯ *ж* 1 *уст.* қулай пайт, қулай фурсат, имконият; **по ~и** қулай фурсатдан (имкониятдан) фойдаланиб; 2 йўловчи транспорт ва ундан фойдаланиш имконияти; **посла́ть** *что-л.* **с ~ей** йўловчи транспорт билан юбормоқ; ✦ **вот так ~я!** жуда ғалати (қизиқ иш) бўлибди-ку!; ана холос!

ОКАЗЫВА/ТЬ *несов.* 1 *см.* **оказа́ть**; 2 *безл. обл.* ...бўлиб кўринмоқ, туюлмоқ, ўхшамоқ; **с ви́ду ей и тридцати́ не ~ло** кўринишидан у ўттизга ҳам бормаганга ўхшарди.

ОКАЗЫВА/ТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **оказа́ться**; 2 *в знач. вводн. сл.* **~ется** маълум бўлишича, экан; **~ется, он уже́ прие́хал** у аллақачон келган экан; **ты, ~ется, прав** маълум бўлишича, сен ҳақ экансан; **вы меня́ иска́ли, ~ется** сиз мени йўқлаган экансиз; 3 *страд. от* **ока́зывать** 1.

ОКАЙМИ́ТЬ, -млю́, -ми́шь *сов.* (*несов.* **окаймля́ть**) *что* 1 ҳошияламоқ, ҳошия солмоқ, ҳошия тутмоқ; **~ портре́т** портретни ҳошияламоқ, портретга ҳошия солмоқ (ҳошия тутмоқ); 2 *перен.* атрофлаб ўраб олмоқ, атрофини қуршаб олмоқ, ўраб турмоқ; **глаза́, окаймлённые синево́й** атрофи кўкарган кўзлар; **село́, окаймлённое ле́сом** гир атрофи ўрмон билан ўралган қишлоқ.

ОКАЙМЛЕ́НИЕ *с* 1 *по гл.* **окайми́ть**; **~ портре́та** портрет атрофини ҳошиялаш; 2 ҳошия, жияк, қўрғон; **изя́щное ~** чиройли ҳошия; **~ из зе́лени** яшил қўрғон, яшил девор.

ОКАЙМЛЯ́ТЬ *несов. см.* **окайми́ть.**

ОКАЛИНА *ж тех.* металл заки, тўпон.

ОКАМЕНЕВА́ТЬ *несов. см.* **окамене́ть** 1, 2.

ОКАМЕНЕ́ЛОСТЬ *ж* 1 тошга айланганлик, тошқотганлик, тошдай қотиб қолганлик, ҳаракатсизлик; **~ь лица́** юзнинг тошдай қотиб қолганлиги; 2 *мн.* **~и** тошқотган (тошга айланган) ҳайвон ёки ўсимлик қолдиғи; **колле́кция ~ей** тошқотган ҳайвон ёки ўсимлик қолдиқлари коллекцияси.

ОКАМЕНЕ́Л/ЫЙ, -ая, -ое 1 тошга айланган, тош бўлиб қолган, тошқотган; **~ые оста́тки дре́вних живо́тных** қадимги ҳайвонларнинг тошга айланган қолдиқлари; 2 *перен.* қотиб қолган, суви қочган; тошдай қаттиқ, қоқ, берч; **~ый кусо́к колбасы́** қотиб қолган колбаса бўлаги; 3 *пе-*

www.ziyouz.com kutubxonasi

рен. ҳуши бошидан учиб қотиб қолган, ҳайкалдай қотган, бепарво, эътиборсиз; **~ый от го́ря** ғамдан ҳуши бошидан учиб ҳайкалдай қотган; **4** *перен.* меҳрсиз, шафқатсиз, бағритош, қаҳри қотган; **~ое се́рдце** тошдай қотган (раҳм-шафқатни билмайдиган) юрак.

ОКАМЕНЕНИ/Е *с по гл.* **окамене́ть; ~е расте́ний** ўсимликларнинг тошга айланиши, тошдек қотиб қолиши: **вы́вести из состоя́ния ~я** ҳайкалдай қотган ҳолатдан чиқармоқ; **~е души́** бағритошга айланиш.

ОКАМЕНЕ/ТЬ *сов.* **1** (*несов.* **окаменева́ть**) тошга айланмоқ; тошдай қотиб қолмоқ, тошқотмоқ; **глина́ ~ла** лой тошдай қотиб қолибди; **де́рево ~ло** дарахт тошга айланган (тошдек қотиб қолган); **2** (*несов.* **окаменева́ть**) *перен.* тошдай қотиб қолмоқ, қаттиқ (берч) бўлиб қолмоқ, суви қочмоқ; **хлеб ~л** нон тошдай қотиб қолибди; **3** *перен.* ҳаракатсиз қотиб қолмоқ, ҳайкалдай қотмоқ, ҳуши бошидан учмоқ; **~ть от у́жаса** қўрқувдан қотиб қолмоқ, ваҳимадан донг қотмоқ; **~ть от го́ря** ғам-ташвишдан ҳуши бошидан учмоқ; **4** *перен.* бағритошга айланмоқ, раҳм-шафқатни унутиб юбормоқ, эътиборсиз бўлиб қолмоқ.

ОКАНТОВА́ТЬ, -ту́ю, -ту́ешь *сов.* (*несов.* **окантовывать**) *что* **1** ҳошияламоқ, атрофига ҳошия (мағиз, жияк, адип ва ҳ. к.) тутмоқ; **~ фотогра́фию** фотография атрофини ҳошияламоқ; **2** *перен.* қирраламоқ, тарашлаб (йўниб) қирра (рах) чиқармоқ; **~ ка́мень** тошни қирраламоқ.

ОКАНТОВК/А *ж* **1** *по гл.* **окантова́ть; ~а портре́та** портретни ҳошиялаш, портретга ҳошия тутиш; **~а плиты́** плитани тарашлаб қирралаш, зиҳ чиқариш; **2** ҳошия, жияк, мағиз, адип; **~а из тесьмы́** лентадан қилинган ҳошия; **нашива́ть ~у** ҳошия тикмоқ, адип тутмоқ, адипламоқ.

ОКАНТО́ВЫВАНИЕ *с по гл.* **окантовывать.**

ОКАНТО́ВЫВАТЬ *несов. см.* **окантова́ть.**

ОКА́НЧИВАТЬ *несов. см.* **око́нчить.**

ОКА́НЧИВА/ТЬСЯ, -ается *несов.* **1** *см.* **око́нчиться; 2** *чем* или *на что* тугамоқ, тугалланмоқ, тамомланмоқ, якунланмоқ; **слова́, ~ющиеся на гла́сную** унли билан тугалланадиган сўзлар; **3** *страд. от* **ока́нчивать.**

ОКА́НЬЕ *с лингв.* «о» лаш (а ўрнига **о** ишлатиш).

ОКА́ПАТЬ *сов. разг. то же, что* **обка́пать.**

ОКА́ПАТЬСЯ *сов. разг. то же, что* **обка́патьсяся.**

ОКА́ПЫВАНИЕ *с по гл.* **ока́пывать** и **ока́пываться; ~ я́блонь** олма дарахтлари тагини юмшатиш (чопиш); **~ уча́стка** участкани чопиш, томорқани чопиб юмшатиш.

ОКА́ПЫВАТЬ I *несов.* **ока́пать.**

ОКА́ПЫВАТЬ II *несов. см.* **окопа́ть.**

ОКА́ПЫВАТЬСЯ I, -ается *несов. страд. от* **ока́пывать I.**

ОКА́ПЫВАТЬСЯ II *несов.* **1** *см.* **окопа́ться; 2** *страд. от* **ока́пывать II.**

ОКА́РМЛИВАНИЕ *с по гл.* **ока́рмливать.**

ОКА́РМЛИВАТЬ *несов. см.* **окорми́ть.**

ОКАТИ́ТЬ, -ачу́, -а́тишь *сов.* (*несов.* **ока́чивать** и **ока́тывать**) *кого-что* устидан сепмоқ, қуймоқ; **~ из ведра́** челак билан устидан сув қуймоқ; **✦ ~(обли́ть) холо́дной водо́й** ҳовридан туширмоқ, шаштини қайтармоқ.

ОКАТИ́ТЬСЯ, -ачу́сь, -а́тишься *сов.* (*несов.* **ока́чиваться** и **ока́тываться**) ўз устидан сув қуймоқ; **~ холо́дной водо́й** ўз устидан совуқ сув қуймоқ, совуқ сувга чайинмоқ.

ОКА́ТЫВАТЬ *несов. см.* **окати́ть.**

ОКА́ТЫВАТЬСЯ *несов.* **1** *см.* **окати́ться; 2** *страд. от* **ока́тывать.**

ОКАТЬ *несов. лингв.* «о»ламоқ (а ўрнига **о** ишлатмоқ).

ОКА́ЧИВАТЬ *несов. см.* **окати́ть.**

ОКА́ЧИВАТЬСЯ *несов.* **1** *см.* **окати́ться; 2** *страд. от* **ока́чивать.**

ОКА́ШИВАТЬ *несов. см.* **окоси́ть.**

ОКАЯНН/ЫЙ, -ая, -ое 1 *уст.* лаънатланган, муртад деб эълон қилинган, черковдан четлатилган; **2** *в знач. сущ.* **~ый** *м разг. уст.* лаънати, шайтон; **~ый попу́тал** шайтон йўлдан оздирди, шайтон йўлдан урди; **3** *прост.* бадбахт, баттол, лаънати, малъун; — **Да стой ты, ~ая!— кри́кнул он на кобы́лу** (Бабаевский)— Тўхта, бадбахт!— қичқирди у **байталига.**

ОКЕА́Н *м* **1** океан; **глуби́ны ~а** океаннинг чуқур жойлари; **Ти́хий ~** Тинч океан; **2** *перен. чего* или *какой* сувдай сероб, жуда кўп, бирталай, дарё-дарё, денгиз; **~ слёз** дарё-дарё кўз ёши; **~ упре́ков** бирталай гина-кудурат; **людско́й ~** одам денгизи; **✦ возду́шный ~** атмосфера, осмон; **мирово́й ~** жаҳон (дунё) океани (ер шарининг сув қисми).

ОКЕА́НАВТ *м* океанавт (океанлар тубини тадқиқ қилувчи мутахассис).

ОКЕАНА́РИЙ *м то же, что* **океана́риум.**

ОКЕАНА́РИУМ *м* океанариум (денгизнинг бир қисмидан иборат катта аквариум).

ОКЕАНИ́ЧЕСКИ/Й, -ая, -ое океанга оид; океан...; **~е тече́ния** океан оқимлари.

ОКЕАНО́ГРАФ *м* океанограф, океаншунос.

ОКЕАНОГРАФИ́ЧЕСКИ/Й, -ая, -ое океанографияга оид; океанографик, океанография...; **~е иссле́дования** океанографик текширишлар.

ОКЕАНОГРА́ФИЯ *ж* океанография, океаншунослик.

ОКЕАНО́ЛОГ *м то же, что* **океано́граф.**

ОКЕАНОЛОГИ́ЧЕСКИЙ, -ая, -ое *то же, что* **океанографи́ческий.**

ОКЕАНОЛО́ГИЯ *ж то же, что* **океанография.**

ОКЕА́НСК/ИЙ, -ая, -ое океанга оид; океанда бўлган (бўладиган); океан...; **~ий ла́йнер** океан лайнери; **~ие во́ды** океан сувлари; **~ое путеше́ствие** океан сафари, океанда бўлган саёҳат.

ОКИ́ДЫВАТЬ *несов. см.* **оки́нуть.**

ОКИ́НУ/ТЬ *сов.* (*несов.* **оки́дывать**) *кого-что:* **~ть взгля́дом** (или **взо́ром, глаза́ми**) кўз (назар) ташламоқ, кўз югуртириб (қараб) чиқмоқ; **он ~л всех недове́рчивым взгля́дом** у ҳаммага ишончсизлик кўзи билан қараб чиқди.

ОКИСЕ́Л *м, р.* **-сла** оксид (химиявий элементларнинг кислород билан бирикмаси); **о́кислы мета́лла** металларнинг оксидлари; **безво́дный ~** сувсиз оксид.

ОКИСЛЕ́НИЕ *с* оксидлаш; оксидланиш; **~ мета́лла** металлнинг оксидланиши, металлни оксидлаш.

ОКИСЛИ́ТЕЛ/Ь *м* оксидловчи модда; **акти́вные ~и** актив оксидловчи моддалар.

ОКИСЛИТЕЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое оксидлашга, оксидланишга оид; оксидлаш...; оксидланиш...; **~ый проце́сс** оксидлаш (оксидланиш) процесси; **~ая реа́кция** оксидлаш (оксидланиш) реакцияси; **~ая установка** оксидлаш установкаси.

ОКИСЛИ́ТЬ *сов.* (*несов.* **окисля́ть**) *что* оксидламоқ.

ОКИСЛИ́ТЬСЯ, -и́тся *сов.* (*несов.* **окисля́ться**) оксидланмоқ.

ОКИСЛЯ́ТЬ *несов. см.* **окисли́ть.**

ОКИСЛЯ́ТЬСЯ, -я́ется *несов.* **1** *см.* **окисли́ться; 2** *страд. от* **окисля́ть.**

ОКИСЬ *ж* оксид; **~ ка́льция** кальций оксиди; **~ углеро́да** углерод оксиди.

ОККЛЮДИРОВАТЬ, -рует *сов. и несов. что тех.* газларни ютмоқ, ўзига сингдирмоқ (эритилган металл ҳақида).

ОККЛЮЗИЯ I *ж тех.* окклюзия (газнинг эритилган металлда ютилиши, сингиши).

ОККЛЮЗИЯ II *ж анат.* тишлаш, тишлашиш (юқориги ва пастки тишларнинг бир-бирига қандай тегиб туриши).

ОККУЛЬТИ́ЗМ *м* оккультизм (руҳонилик, азайимхонлик, иссиқ-совуқ, афсун каби хурофотларга ишонтирувчи мистик таълимотларнинг умумий номи).

ОККУЛЬТНЫЙ, -ая, -ое оккультизмга оид; оккультизм руҳидаги.

ОККУПА́НТ *м* оккупант, оккупация қатнашчиси, истилочи, босқинчи, зобит.

ОККУПА́НТСКИЙ, -ая, -ое оккупантга (истилочига) оид; оккупант...; оккупантлик..., истилочилик...

ОККУПАЦИО́ННЫ/Й, -ая, -ое оккупацияга (истилога) оид; оккупацион, оккупация...; истило...; **~е вла́сти** оккупация маъмурлари; **~й режи́м** оккупация режими.

ОККУПА́ЦИЯ *ж* оккупация, босиб (бостириб) келиб эгаллаш, босиб олиш, истило қилиш, забт этиш; **истило,** забт.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ОККУПИРОВА/ТЬ *сов.* и *несов. что* оккупация қилмоқ, босиб (бостириб) келиб эгалламоқ, босиб олмоқ; истило қилмоқ, забт этмоқ; **освобожде́ние райо́нов, ~нных неприя́телем** душман босиб олган ерларни озод қилиш.

ОКЛА́Д *м* **1** маош, ойлик, мояна; **ме́сячный ~** бир ойлик мояна; **основно́й ~** асосий маош; **сре́дний ~** ўртача ойлик; **твёрдый ~** қатъий ойлик; **2** *фин.* солиқ, налог; **поду́шный ~** жон бошидан олинадиган солиқ; **3** бут (санам) қопламаси; **серебряный ~** кумуш қоплама; **4** *уст.* бичим, қомат.

ОКЛА́ДИСТ/ЫЙ, -ая, -ое 1 *уст.* бичими келишган, гавдали, барваста; **2** бутун юзни қоплаган; **~ая борода́** бутун юзни қоплаб олган соқол.

ОКЛА́ДН/ОЙ, -а́я, -о́е *фин.* **1** моянага оид; мояна...; **~о́й нало́г** моянадан олинадиган солиқ; **2** солиққа, налогга оид; **~ы́е дохо́ды** солиқлардан келадиган даромадлар; ✦ **~о́й дождь** *обл.* осмонни булут қоплаб олган тинимсиз (муттасил) ёмғир.

ОКЛЕВЕТА́/ТЬ, -ещу́, -е́щешь *сов. кого* туҳмат (бўҳтон) қилмоқ, ноҳақ айбламоқ, қораламоқ; **его́ ~ли** унга туҳмат қилдилар, уни ноҳақ айбладилар (қораладилар).

ОКЛЕ́ИВАНИЕ *с по гл.* **оклеи́вать; ~ о́кон на́ зиму** қишга деразаларнинг тирқишларини бирор нарса ёпиштириб бекитиш.

ОКЛЕИВАТЬ *несов. см.* **оклеи́ть.**

ОКЛЕ́ИТЬ *сов.* (*несов.* **оклеи́вать**) *что* ҳамма ёғига ёпиштириб чиқмоқ, ёпиштириб ҳамма ёғини тўлдирмоқ, бекитмоқ; **~ сте́ны обо́ями** деворларга гулқоғоз ёпиштириб чиқмоқ.

ОКЛЕ́ЙК/А *ж* **1** *по гл.* **оклеи́ть; 2** ёпиштирилган материал; **смени́ть ~у** ёпиштирилган нарсани (*мас.,* гулқоғозни) алмаштирмоқ, янгиламоқ.

О́КЛИК *м* чақириқ овози (нидоси); чақириқ; чақириш; **отозва́ться на ~** чақириққа жавобан овоз бермоқ, «ҳа» демоқ.

ОКЛИКА́ТЬ *несов. см.* **оклика́ть.**

ОКЛИКА́ТЬСЯ, -а́ется *несов.* **1** *уст.* бир-бирини чақирмоқ; **2** *страд. от* **оклика́ть.**

ОКЛИКНУ/ТЬ *сов.* (*несов.* **оклика́ть**) *кого* отини айтиб чақирмоқ, бирор нарса деб қичқирмоқ; қичқириб тўхтатмоқ, ўзига қаратмоқ; **~ть прохо́жего** йўловчини чақириб тўхтатмоқ; **кто́-то меня́ ~л** кимдир мени чақирди; **часово́й ~л подоше́дших: «Кто идёт?»** соқчи яқинлашаётганларга «келаётган ким?» деб қичқирди.

ОКНО́ *с, мн.* **о́кна,** *р.* **о́кон 1** дераза, дарча, ойна; **туи́нук; двуство́рчатое ~** қўштавақа дераза; **слуховое́ ~** эшитадиган (эшитиш учун хизмат қиладиган) туйнук; **2** *разг.* дераза токчаси, дераза пештахтаси; **сесть на ~** дераза пештахтасига ўтирмоқ; деразага ўтирмоқ; **3** очиқ жой, оралиқ, ёриқ; **в ту́чах образова́лось ~** булутлар ораси очилиб осмон кўринди; **4** *обл.* чуқур, ўпқон, тортиб (ютиб) кетадиган жой (*мас.,* ботқоқликдаги); **5** *перен. разг.* бўш соатлар; **о́кна ме́жду ле́кциями** лекциялар орасидаги бўш соатлар.

О́КО *с, мн.* **о́чи,** *р.* **оче́й** *уст. поэт.* кўз; дийда; **хоть ви́дит ~, да зуб не́йме́т** *погов.* кўрмоқ бору, емоқ йўқ; ✦ **~ за ~, зуб за зуб** қонга қон, жонга жон.

ОКОВА/ТЬ, окую́, окуёшь *сов.* (*несов.* **око́вывать**) **1** *что* металл билан қопламоқ, металл қоқмоқ; **~ть сунду́к желе́зом** сандиққа тунука қоқмоқ, сандиқни тунука (темир) билан қопламоқ; **2** *кого-что уст.* банд (кишан) солмоқ, кишанламоқ, бўғовламоқ; **3** *перен. кого уст. книжн.* тилдан қолдирмоқ, ҳаракатдан маҳрум қилмоқ, тахт қотириб (тахта қилиб) қўймоқ; **Ужас ~л всех, находи́вшихся в ха́те** (Гоголь) Ваҳима уйдагиларнинг ҳаммасини тахт қотириб (тахта қилиб) қўйди; **4** *перен. что* музлатмоқ, муз билан қоплаб тош қотирмоқ, тўхтатиб қўймоқ; **лёд ~л о́зеро** кўлни муз қоплади; **идти́ по око́ванной моро́зом земле́** музлаб тош қотган ердан бормоқ.

ОКО́ВКА *ж* **1** *по гл.* **окова́ть** 1; **2** қопланган тунука ва ҳ. к.; қоплама; **чека́нная ~** гул чекилган қоплама.

ОКО́В/Ы *мн.* **1** *уст.* кишан, занжир, бўғов, банд; **держа́ть в ~ах** кишанлаб қўймоқ, бандга солмоқ; **2** *перен.* асорат, кишан, занжир, ғов, тўсқинлик, монелик; **~ы колониали́зма** колониализм кишанлари; **~ы ра́бства** қуллик занжири; **Для него́ [Оле́нина] не́ было никаки́х — ни физи́ческих, ни мора́льных ~...** (Л. Толстой) Унинг учун ҳеч қандай — на жисмоний, на маънавий монелик йўқ эди...

ОКО́ВЫВАТЬ *несов. см.* **окова́ть.**

ОКОЁМ *м уст.* кўз илғайдиган йироқлик, осмон, уфқ.

ОКОЛАЧИВА/ТЬСЯ *несов. разг.* бирор ерда ўралашмоқ, бекор (сандиракдаб) юрмоқ; **~ться без де́ла** бирор ерда бекор ўралашиб юрмоқ; **что ты здесь ~ешься?** бу ерда нима қилиб ўралашиб юрибсан?

ОКОЛДО́ВА/ТЬ, -ду́ю, -ду́ешь *сов.* (*несов.* **околдо́вывать**) *кого* **1** сеҳрлаб қўймоқ, жоду қилмоқ, аврамоқ; **2** *перен.* ўз измига олмоқ; қўлига олмоқ;— **Де́вка была́ проста́я..., да така́я злю́щая! По щека́м, быва́ло, гра́фа бьёт. Околдова́ла его́ совсе́м** (Тургенев) Қиз оддийгина, ...лекин шундай заҳар эди-ки! Баъзида графнинг юзига шапалоқ тушириб қоларди. Уни шунчалик измига солиб олган эди; **3** *перен.* мафтун қилмоқ, асиру шайдо қилмоқ, ихтиёрини олиб қўймоқ; **его́ пе́ние всех ~ло** унинг ашуласи ҳаммани мафтун этди.

ОКОЛДО́ВЫВАТЬ *несов. см.* **околдова́ть.**

ОКОЛЕВА́ТЬ *несов. см.* **околе́ть.**

ОКОЛЕ́СИЦ/А *ж разг.* бемаъни гап, сафсата, валдираш, алжиш; **нести́ ~у** бемаъни гап гапирмоқ, валдирамоқ, алжимоқ.

ОКОЛЕ́/ТЬ *сов.* (*несов.* **околева́ть**) **1** ҳаром ўлмоқ, ҳаром қотмоқ (ҳайвонлар ҳақида); **ло́шадь ~ла** от ҳаром ўлди; **2** *груб. прост.* ўлмоқ; тўнғиз қўпмоқ.

ОКОЛИЦ/А *ж* **1** қишлоқ атрофидаги тўсиқ, қишлоқ девори ва унинг дарвозаси; **вы́йти за ~у** қишлоқ тўсиғидан ташқарига чиқмоқ; **2** *обл.* қишлоқнинг чети, атрофи; **дом стои́т на ~е** уй қишлоқ четида жойлашган; **3** *обл.* айланма йўл, узоқ йўл; **для ми́лого дружка́ семь вёрст не ~а** *посл.* севикли ёр (дўст) учун етти чақирим йўл (ҳеч гап) эмас.

ОКОЛИ́ЧНОСТ/И *мн.* (*ед.* **околи́чность** *ж*) узоқдан олиб келинган гап, қочириқ, учуриқ, шама; ✦ **без ~ей** қочириқ қилмасдан, тўппа-тўғрисини, пўскалласини, лўндасини қилиб; **сказа́ть без ~ей** гапнинг тўппа-тўғрисини (пўскалласини) айтиб қўя қолмоқ.

ОКОЛО 1 *предлог с р.* ёнида, олдида, яқинида; **сесть ~ окна́** дераза олдида ўтирмоқ; **~ го́рода протека́ет река́** шаҳар яқинидан дарё ўтади; **они́ бы́ли уже́ ~ кишлака́** улар қишлоқ олдида (қишлоққа яқинлашиб қолган) эдилар; **2** *предлог с р.* атрофида, теварагида; **сесть ~ костра́** гулхан атрофида ўтирмоқ; **~ него́ образова́лся кружо́к** унинг теварагида давра ҳосил бўлди; **3** *предлог с р.* тахминан, тақрибан, чамаси, чамасида, -га яқин; **ему́ ~ пяти́ лет** у тахминан беш ёшда; **уже́ прошло́ ~ ча́са** бир соатча (бир соат чамаси) вақт ўтди; **кото́рый час?— О́коло шести́** соат неча?— Олтига яқинлашиб қолди; **~ полу́дня** тушга яқин; **~ того́ (э́того)** тахминан, чамаси, қарийб, шунга яқин; **4** *нареч.* яқинида, ёнида, ёни-верида, яқин жойда, теварак-атрофида; **[Григо́рий] привяза́л к кусту́ коня́, ле́г ~...** (Шолохов) [Григорий] отини бутага боғлаб, ўзи ёнгинасида чўзилди; ✦ **вокру́г (кругом) да ~** *см.* **вокру́г; корми́ться (пита́ться) ~** *кого-чего* кетидан кун кўрмоқ.

ОКОЛОЗЕМН/ОЙ, -а́я, -о́е и **ОКОЛОЗЕ́МН/ЫЙ, -ая, -ое** ер олдидаги, ер яқинидаги, ерга яқин; **~а́я орби́та** ер яқинидаги (ерга яқин) орбита.

ОКОЛОЛУНН/ЫЙ, -ая, -ое Ой олдидаги, Ой яқинидаги, Ойга яқин; **~ое простра́нство** Ой яқинидаги (Ойга яқин) фазо.

ОКОЛОПЛАНЕ́ТНЫЙ, -ая, -ое планета олдидаги, планета яқинидаги, планетага яқин.

ОКОЛОПЛО́ДНИК *м бот.* мева эти (уруғни ёки данакни ўраб турувчи қатлам, мас., ўрик ёки шафтолининг эти).

ОКОЛОПЛОДН/ЫЙ, -ая, -ое *физиол. анат.* ҳомилани ўраб турадиган; **~ый мешо́к** ҳомила ғилофи, йўлдош.

ОКОЛОСЕРДЕ́ЧН/ЫЙ, -ая, -ое *анат.* юрак ёнидаги, юраколди; **~ая су́мка** юрак ёнидаги қопчиқ, юрак халтаси.

ОКОЛО́Т/ОК *м, р.* **-тка** *уст.* атроф, теварак-атроф, яқин-ўрта; **в ~ке** яқин-ўртада, атрофда; **2** *ист.* околоток, даҳа полицияси; миршабхона; **3** *уст.* ҳарбий қисмларда:

www.ziyouz.com kutubxonasi

медицина бўлимнаси. 4 *ж.-д.* темир йўл қисми (дистанцияси).

ОКОЛОТОЧНЫЙ, -ая, -ое *ист.* даҳа полициясига оид; ~ **надзира́тель** даҳа назоратчиси.

ОКОЛОУШНЫЙ, -ая, -ое *анат.* қулоқ ёнидаги, қулоқ атрофидаги, қулоқ олди...; қулоқ ёни...; ~**е же́лезы** қулоқ ёни безлари.

ОКОЛОЦВЕ́ТНИК *м бот.* гулкоса.

ОКОЛПА́ЧИВАТЬ *несов. см.* **околпа́чить.**

ОКОЛПА́ЧИТЬ *сов.* (*несов.* **околпа́чивать**) *кого прост.* аҳмоқ қилмоқ, анойи қилмоқ, алдамоқ, чув туширмоқ, фириб бермоқ, лақиллатмоқ, тузламоқ.

ОКОЛЫШ *м* бош кийим гардиши, жияк, кизак; ~ **фура́жки** фуражка гардиши (кизаги).

ОКОЛЬНИЧИЙ *м, р.* **-его** *ист.* окольничий (Қадимги Русда: боярларнинг олий мансабларидан бири ва шу мансабдаги бояр).

ОКОЛЬНЫЙ, -ая, -ое 1 четлаб ўтадиган, чет, айланиш, айланма; ~**й путь** айланма йўл; **е́хать** ~**м путём** айланма йўлдан юрмоқ, бормоқ; 2 *перен.* эгри, ғайрирасмий, ғайриқонуний, четдан (орқаворатдан) бўлган; **де́йствовать** ~**ми путя́ми** эгри (ғайрирасмий, ғайриқонуний) йўл билан иш тутмоқ (иш битирмоқ); **узна́ть** ~**м путём** четдан билмоқ; орқаворатдан эшитмоқ.

ОКОЛЬЦЕВА́ТЬ, -цу́ю, -цу́ешь *сов.* (*несов.* **окольцо́вывать**) 1 *кого* ҳалқаламоқ, ҳалқа кийгизмоқ, ҳалқа осмоқ (тақмоқ); ~ **ча́йку** чайкани ҳалқаламоқ, чайкага ҳалқа тақиб қўймоқ; 2 *что* ҳалқаламоқ, пўстлоғини ҳалқасимон қилиб шилмоқ; ~ **дуб** дуб пўстлоғини ҳалқасимон қилиб шилмоқ.

ОКОЛЬЦОВЫВАТЬ *несов. см.* **окольцева́ть.**

ОКОНЕ́ЧНОСТЬ *ж* уч, бош, охир, чет, чекка; **ю́жная** ~ **А́фрики** Африканинг жанубий чеккаси; **се́верная** ~ **о́строва** оролнинг шимолий чеккаси.

ОКОНЕ́ЧНЫЙ, -ая, -ое *спец.* охирги, энг четки, четдаги.

ОКО́ННИЦА *ж уст.* и *обл.* дераза, ойна.

ОКО́ННЫЙ, -ая, -ое деразага оид; дераза...; ~**ая ра́ма** дераза роми; ~**ое стекло́** дераза ойнаси; ~**ый проём** дераза ўрни.

ОКОНОПА́ТИТЬ, -а́чу, -а́тишь *сов.* (*несов.* **оконопа́чивать**) *что* лосламоқ, тешик-тирқишларни лос (пахта ва ҳ. к.) тиқиб бекитмоқ, зичламоқ; ~ **ло́дку** қайиқнинг тешик-тирқишларини лосламоқ.

ОКОНОПА́ЧИВАТЬ *несов. см.* **оконопа́тить.**

ОКОНФУ́ЗИТЬ, -у́жу, -у́зишь *сов. кого разг.* уялтирмоқ, уялтириб қўймоқ, уятга (хижолатга) қолдирмоқ, хижолат қилмоқ.

ОКОНФУ́ЗИТЬСЯ, -у́жусь, -у́зишься *сов. разг.* уялиб қолмоқ, хижолат бўлмоқ, хижолат тортмоқ.

ОКО́НЦЕ *с уменьш. от* **окно́** кичкина дераза; дарча.

ОКОНЧА́НИЕ *с* 1 битириш, тугатиш, тамомлаш; тугаш, тамомланиш; ~**е шко́лы** мактабни битириш; **до** ~**я рабо́ты** иш тамом бўлгунча; **по** ~**и спекта́кля** спектакль тугагач; 2 охир, интиҳо, хотима; хотима қисм; давом; ~**е по́вести** повестнинг хотимаси (ёки давоми); ~**е сле́дует** давоми (охири) бор; 3 *грам.* тугалланма; ~**е прилага́тельных** сифатларнинг тугалланмаси.

ОКОНЧА́ТЕЛЬНО *нареч.* тамомила, қатъиян, бутунлай, узил-кесил, қатъий, батамом; ~ **отказа́ться** бутунлай воз кечмоқ, бутунлай бош тортмоқ; ~ **убеди́ться** *в чём-л.* узил-кесил (батамом) ишонмоқ; **э́то** ~**?** бу қатъийми (қатъий гапми)?

ОКОНЧА́ТЕЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое; -лен, -льна 1 энг сўнгги, қатъий аниқланган, узил-кесил, охирги; ~**ый ито́г** охирги хулоса; қатъий якун; ~**ые да́нные** энг сўнгги (қатъий) маълумотлар; ~**ый результа́т испыта́ний** синовларнинг энг сўнгги натижаси; 2 қатъий, узил-кесил, ўзгартириб бўлмайдиган; ~**ый отка́з** қатъиян рад этиш; қатъиян бош тортиш; ~**ый приговор** *юр.* қатъий ҳукм; 3 тўла, тўлиқ, тугал, қатъий, узил-кесил; ~**ая побе́да** қатъий (тўла) галаба.

ОКОНЧИ́ТЬ *сов.* (*несов.* **ока́нчивать**) *что* 1 тамомламоқ, тугатмоқ, битирмоқ, охирига етказмоқ; ~ **рабо́ту** ишни тугатмоқ, ишни битирмоқ; ~ **совеща́ние** кенгашни тамомламоқ; 2 **битирмоқ, битириб чиқмоқ, тугатмоқ, таҳсил** олмоқ; ~ **институ́т** институтни **битириб чиқмоқ**; ~ **шко́лу** мактабни тамомлаб чиқмоқ.

ОКО́НЧИ/ТЬСЯ, -ится *сов.* (*несов.* **ока́нчиваться**) тамом бўлмоқ, тугамоқ, битмоқ; охирига етмоқ; **матч** ~**лся вничью́** матч дуранг билан тугади.

ОКО́П *м воен.* окоп; **рыть** ~**ы** окоп қазимоқ.

ОКОПА́ТЬ *сов.* (*несов.* **ока́пывать** II) *что* 1 атрофини ковламоқ, чопмоқ, қазимоқ, тагини чопиб қўймоқ; ~ **де́рево** дарахт тагини (атрофини) чопиб қўймоқ; 2 чуқур қазиб (ёки тупроқ кўтариб) атрофини ўрамоқ, атрофига тупроқ босмоқ; ~ **пала́тку** чодир атрофига тупроқ босмоқ.

ОКОПА́/ТЬСЯ *сов.* 1 (*несов.* **ока́пываться** II) окоп қазиб ётмоқ, окопларга ўрнашиб олмоқ; **солда́ты** ~**лись** солдатлар окоп қазиб олдилар; 2 *перен. разг.* иссиқ (ёки бехатар) жой топиб олмоқ; ўрнашиб қолмоқ; ~**ться в родно́й дере́вне** она қишлоғида ўрнашиб қолмоқ; ~**ться в тылу́** фронт орқасида жойлашиб олмоқ; фронт орқасида жон сақламоқ.

ОКО́ПН/ЫЙ, -ая, -ое окопга оид; окоп...; ~**ая ли́ния** окоплар чизиғи; ✦ ~**ая война́** окоп уруши (окопларда ўрнашиб олиб бориладиган уруш, позицион уруш).

ОКОРА́ЧИВАТЬ *несов. см.* **окороти́ть.**

ОКОРЁНОК *м, р.* **-нка** *обл.* и *спец.* кичкина тоғора; чори.

ОКОРИ́ТЬ *сов.* (*несов.* **окоря́ть**) *что* пўстини арчмоқ, тозаламоқ, шилмоқ; ~ **бревно́** ёғоч пўстлоғини арчмоқ (шилмоқ).

ОКО́РКА *ж по гл.* **окори́ть;** ~ **та́ла** тол пўстлоғини шилиш.

ОКО́РМ *м спец. по гл.* **окорми́ть; ги́бель ове́ц от** ~**а** қўйларнинг бўкишдан (бўкиб) ўлиши.

ОКОРМИ́ТЬ, -ормлю́, -о́рмишь *сов.* (*несов.* **ока́рмливать**) *кого* 1 *то же, что* **обкорми́ть**; 2 бўктириб қўймоқ (кўп овқат бериб қасал ёки ҳалок қилмоқ); ~ **коро́ву** сигирни бўктириб қўймоқ; 3 заҳарлаб (заҳарли овқат бериб) ўлдирмоқ; ~ **волко́в** бўриларни заҳарлаб ўлдирмоқ.

ОКО́РМКА *ж* 1 *по гл.* **окорми́ть** 2; 2 заҳарли ем; ~ **для мыше́й** сичқонлар учун заҳарли ем.

ОКОРНА́ТЬ *сов. кого-что прост.* қисқа қилиб кесмоқ, кесиб (қирқиб), қисқа қилиб қўймоқ; ~ **бо́роду** соқолни қисқа қилиб, хунугини чиқармоқ.

ОКОРО́К *м, мн.* **-а́** сон гўшти; **копчёный** ~ дудланган сон гўшти; **бара́ний** ~ қўйнинг сон гўшти.

ОКОРОКО́В/ЫЙ, -ая, -ое сон гўштига оид, сон гўштидан қилинган, сон гўшти...; ~**ая часть ту́ши** нимтанинг сон қисми.

ОКОРОТИ́ТЬ, -очу́, -оти́шь *сов.* (*несов.* **окора́чивать**) *что разг.* қирқиб қисқартирмоқ, калта қилмоқ, қисқа (калта) қилиб қўймоқ; ~ **брю́ки** шимни калта қилмоқ; ~ **бревно́** ходани қирқиб калта қилмоқ.

ОКОРО́ЧН/ЫЙ, -ая, -ое сон гўштига оид; сон гўшти...; ~**ое мя́со** сон гўшти.

ОКОРЯ́ТЬ *несов. см.* **окори́ть.**

ОКОСЕ́ТЬ *сов.* 1 *разг.* қийшиқ ёки ғилай бўлиб қолмоқ; 2 *прост.* маст бўлиб қолмоқ, кайфи ошиб кетмоқ.

ОКОСИ́ТЬ *сов.* (*несов.* **ока́шивать**) *то же, что* **обкоси́ть** 1.

ОКОСТЕНЕВА́ТЬ *несов. см.* **окостене́ть.**

ОКОСТЕНЕ́Л/ЫЙ, -ая, -ое 1 суякка айланган, суяк бўлиб (суякдай) қотиб қолган; 2 совиб қолган, қотиб қолган (мурда ҳақида); тўнгиб қолган, музлаб қотиб қолган; 3 увушиб қолган, увушган; 4 *перен.* бир жойда (бирор савияда, шаклда ва ҳ. к.) қотиб қолган, жаҳолатда қолган, ривожланишдан тўхтаган, ғофил; ~**ая культу́ра** қотган (ривожланишдан тўхтаган) маданият.

ОКОСТЕНЕ́НИЕ *с по гл.* **окостене́ть;** ~ **скеле́та** скелетнинг қотиши; ~ **суста́вов** бўғинларнинг увушиб қолиши.

ОКОСТЕНЕ́/ТЬ *сов.* (*несов.* **окостенева́ть**) 1 суякка айланмоқ, суяк бўлиб (суякка ўхшаб) қотиб қолмоқ; **оле́ньи па́нты ещё не** ~**ли** буғунинг шохлари ҳали қотгани йўқ (қотмаган); 2 совиб қолмоқ, қотмоқ (мурда ҳақида); 3 тўнгмоқ, музлаб қотиб қолмоқ, увушиб қолмоқ; ~**ть от хо́лода** совуқдан тўнгмоқ (қотиб қолмоқ); 4 *перен.* тахтадай қотмоқ, тахтадай (мурдадай, ҳайкалдай) қотиб қол-

www.ziyouz.com kutubxonasi

моқ, серрайиб қотиб қолмоқ; ~ть от ўжаса даҳшатдан қотиб қолмоқ; 5 *перен.* бир жойда (бирор шаклда, савчада ва ҳ. к.) қотиб қолмоқ, ривожланмай тўхтаб қолмоқ, ривожланишдан тўхтамоқ; орқада (жаҳолатда) қолиб кетмоқ.

ОКО́Т *м по гл.* **окоти́ться**; ~ **ове́ц** қўзилаш.

ОКОТИ́ТЬСЯ, -и́тся 1 болаламоқ (мушук ҳақида); 2 қўзиламоқ, тўлламоқ (қўй, эчки ҳақида).

ОКОЧЕНЕ́ЛЫЙ, -ая, -ое 1 қотиб қолган, музлаб қотиб қолган, тўнгиб қолган; ~ **от хо́лода** совуқдан қотиб қолган; 2 совиб қолган (мурда ҳақида).

ОКОЧЕНЕ́ТЬ *сов.* (*несов.* **коченéть**) 1 совқотиб қолмоқ, музлаб қотиб қолмоқ, тўнгиб қолмоқ; ~ **на ветру́** шамолда совқотиб қолмоқ; 2 совиб қолмоқ (мурда ҳақида); 3 *перен.* қотиб қолмоқ, серрайиб қолмоқ, тахтадай (мурдадай, ҳайкалдай) қотиб қолмоқ, эс-ҳушини йўқотмоқ; ~ **от смуще́ния** хижолатдан (уялиб) серрайганча қотмоқ, нима қилишни билмай қотиб қолмоқ; ~ **от ску́ки** зерикиб гаранг бўлмоқ.

ОКОЧУ́РИТЬСЯ *сов. прост.* ўлмоқ, оламдан ўтмоқ, кўз юммоқ, қулоғи остида қолмоқ.

ОКО́ШЕЧКО *с, р. мн.* **-чек** *уменьш.-ласк. от* **окно́** 1 кичкина дераза, дарча, эшикли (ойнали) тешик, туйнук.

ОКО́ШК/О *с, р. мн.* **-шек** *уменьш. от* **окно́** 1 дераза, ойна; **погляде́ть в** ~**о** деразадан (ойнадан) қарамоқ; **сиде́ть у** ~**а** дераза олдида ўтирмоқ.

ОКРАИ́Н/А *ж* 1 чет, чекка, атроф; ~**а ле́са** ўрмоннинг чети; 2 шаҳарнинг марказдан узоқ қисми, чекка жойлари; чеккаси; **жить на** ~**е** шаҳар чеккасида яшамоқ; 3 чекка ўлка, узоқ ўлка.

ОКРАИ́ННЫЙ, -ая, -ое чеккадаги, четки, чекка, чет; ~ **райо́н го́рода** шаҳарнинг чекка райони.

ОКРА́СИ/ТЬ, -а́шу, -а́сишь *сов.* (*несов.* **окра́шивать**) 1 *что* 1 бўямоқ, бўёқ (ранг) бермоқ, бўёқ (ранг) суртмоқ; ~**ть ткань** матони бўямоқ; 2 қизартирмоқ, қизғиш тус бермоқ, қизғиш тусга киритмоқ; **со́лнце** ~**ло верши́ны гор в золоти́стый цвет** қуёш тоғ чўққиларини олтин тусга киритди; 3 *перен.* йўғирмоқ; тус бермоқ, зеб бермоқ, безамоқ, бойитмоқ; **глубо́кой печа́лью окра́шена жизнь матере́й, потеря́вших в войну́ с фаши́змом свои́х сынове́й и дочере́й** фашизмга қарши урушда ўғил-қизларидан ажралган оналарнинг ҳаёти чуқур қайғу билан йўғрилган.

ОКРА́СИ/ТЬСЯ, -ится *сов.* (*несов.* **окра́шиваться**) 1 бўялмоқ, рангланмоқ; **шерсть хорошо́** ~**лась** жун яхши бўялди (бўялибди); 2 бирор рангга кирмоқ, ранг-тус олмоқ; **Восто́к загора́ется; ме́лкие пе́ристые облачка́** ~**лись в ро́зовый цвет** (Гаршин) Шарқ ёришмоқда; майда парсимон булутлар алвон тусга кирган.

ОКРА́СК/А *м* 1 *по гл.* **окра́сить** 1; ~**а воло́с** сочни бўяш; ~**а тка́ней** матоларни бўяш; 2 бўёқ, ранг, тус; **све́тлая** ~**а обо́ев** гулқоғозларнинг очиқ ранги; 3 *перен.* маънавий ўзгачалик, ранг, тус, бўёқ; **стилисти́ческая** ~**а сло́ва** сўзнинг стилистик бўёғи (нозик маъноси); **прида́ть расска́зу юмористи́ческую** ~**у** ҳикояга юмористик тус бермоқ.

ОКРА́ШИВАТЬ *несов. см.* **окра́сить.**

ОКРА́ШИВАТЬСЯ, -ается *несов.* 1 *см.* **окра́ситься**; 2 *страд. от* **окра́шивать** 1.

ОКРЕ́П/НУТЬ, -ну, -нешь; окре́п, -ла *сов.* 1 қаттиқ (мустаҳкам) бўлмоқ, қаттиқ-пухта бўлмоқ, қотмоқ; **лёд на реке́** ~ дарёдаги муз қотиб кетди; 2 саломатлиги яхшиланмоқ; соғаймоқ, бақувват тортмоқ, кучга кирмоқ; бардам бўлмоқ, чиниқмоқ; **за ле́то ребёнок заме́тно** ~ ёз давомида боланинг соғлиги анча яхшиланди; ~ **нуть на полевы́х рабо́тах** дала ишларида бақувват тортмоқ (чиниқмоқ); 3 мустаҳкамланмоқ, куч-қудрати ошмоқ, оёққа турмоқ; **колхо́з** ~ колхоз мустаҳкамланди; колхоз оёққа туриб олди; **ещё бо́лее** ~**ла дру́жба наро́дов СССР** СССР халқлари дўстлиги янада мустаҳкамланди; 4 кучи (даражаси, шиддати ва ҳ. к.) ошмоқ, кучаймоқ, зўраймоқ; **ве́тер** ~ шамол кучайди; 5 ўсмоқ, мустаҳкамланмоқ, камол топмоқ; **тала́нт писа́теля** ~ ёзувчининг таланти ўсди; **наде́жды** ~**ли** умид-орзу кучайди, ишонч комил бўлди.

ОКРЕ́СТ 1 *нареч. книжн.* атрофга, теварак-атрофга; атрофда, теварак-атрофда; **взгляну́ть** ~ атрофга қарамоқ; 2 *предлог с р. уст.* атрофида, теварагида.

ОКРЕСТИ́ТЬ, -ещу́, -е́стишь *сов.* 1 (*несов.* **крести́ть**) *кого церк.* чўқинтирмоқ; ~ **ребёнка** болани чўқинтирмоқ, болага чўқинтириб исм қўймоқ; 2 *кого-что кем-чем разг.* лақаб қўймоқ, ном бермоқ.

ОКРЕСТИ́ТЬСЯ, -ещу́сь, -е́стишься *сов.* чўқинмоқ, христиан динини қабул қилмоқ, христиан динига кирмоқ.

ОКРЕ́СТНОСТЬ *ж* атроф, теварак, канора; **теварак-атрофдаги жойлар**; ~**ла́геря** лагерь атрофи, лагерь атрофидаги жойлар.

ОКРЕ́СТН/ЫЙ, -ая, -ое 1 атрофдаги, теварак-атрофдаги; ~**ые леса́** атрофдаги ўрмонлар; ~**ые посёлки** теварак-атрофдаги посёлкалар; 2 атроф жойларда яшовчи; атроф...; ~**ое населе́ние** теварак-атрофда яшовчи аҳоли; атроф аҳолиси.

ОКРИВЕ́ТЬ *сов. прост.* бир кўзи кўр (ёки ғилай) бўлиб қолмоқ.

ОКРИК *м* 1 чақириқ (ёки хитоб) овози; чақириқ, чақириш, хитоб; 2 ўдағайлаш, жекириш, жеркиш, бақириқ, ҳайқириқ, дағдаға, дўқ; **предостерега́ющий** ~ огоҳлантирувчи ҳайқириқ, дўқ-пўписа; **гру́бый** ~ қўполдан-қўпол бақириқ.

ОКРИ́КИВАТЬ *несов. см.* **окри́кнуть.**

ОКРИ́КНУТЬ *сов.* (*несов.* **окри́кивать**) *кого* бақириб чақирмоқ, отини айтиб чақирмоқ; ~ **прохо́жего** йўловчини бақириб чақирмоқ.

ОКРОВА́В/ИТЬ, -влю, -вишь *сов.* (*несов.* **окрова́вливать**) *что* қонга бўямоқ, қонга беламоқ, қонатмоқ, қон қилмоқ; **голова́ его́ была́** ~**лена** унинг боши қонга бўялган (беланган) эди.

ОКРОВАВИ/ТЬСЯ *сов.* (*несов.* **окрова́вливаться**) 1 *прост.* ўзининг бирор ерини қонатмоқ; 2 қонга бўялмоқ, қонга беланмоқ; **оде́жда на нём** ~**лась** унинг (устидаги) кийими қонга беланди.

ОКРОВАВЛЕННЫ/Й, -ая, -ое 1 *прич. от* **окрова́вить**; 2 *в знач. прил.* қонга бўялган, қонга беланган; ~**й плато́к** қонга беланган рўмолча; ~**е ру́ки** қонга бўялган қўллар; ~**й нож** қонга бўялган пичоқ.

ОКРОВА́ВЛИВАТЬ *несов. см.* **окрова́вить.**

ОКРОВА́ВЛИВАТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **окрова́виться**; 2 *страд. от* **окрова́вливать.**

ОКРО́Л *м* қуённинг болалаши (туғиши); **кро́лики весе́ннего** ~**а** баҳорда туғилган қуёнлар.

ОКРОМСА́ТЬ *сов. то же, что* **обкромса́ть.**

ОКРОПИ́/ТЬ, -плю́, -пи́шь *сов.* (*несов.* **окропля́ть**) *кого-что* томчилатиб сепмоқ, майдалаб (пуркатиб) сочмоқ, шакароб қилиб сепмоқ, сепиб урмоқ; ~**ть одеколо́ном** одеколон сепмоқ; **дождь** ~**л листву́** ёмғир майдалаб ёғиб баргларга сув сепиб (баргларни ҳўллаб) ўтди.

ОКРОПИ́/ТЬСЯ *сов.* (*несов.* **окропля́ться**) *уст. поэт.* томчилар билан қопланмоқ, ҳўлланмоқ.

ОКРОПЛЯ́ТЬ *несов. см.* **окропи́ть.**

ОКРОПЛЯ́ТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **окропи́ться**; 2 *страд. от* **окропля́ть.**

ОКРО́ШКА *ж* 1 окрошка (квасли яхна шўрва); 2 *перен. разг.* аралаш-қуралаш нарса, мошкичири.

О́КРУГ *м, мн.* **-а́** округ; **администрати́вный** ~ маъмурий округ; **вое́нный** ~ ҳарбий округ; **избира́тельный** ~ сайлов округи.

О́КРУГ/А *ж разг.* атроф, теварак-атроф; **на всю** ~**у прогреме́л вы́стрел** ўқ овози бутун атрофни гулдиратди; **в парк собира́лись со всей** ~**и** паркка бутун теварак-атрофдан одамлар тўпланар эди.

ОКРУГЛЕ́ННЫ/Й, -ая, -ое 1 *прич. от* **округли́ть**; 2 *в знач. прил.* думалоқ (юмалоқ) шаклли, юмалоқ; силлиқ қилиб ишланган; ~**е верху́шки лип** арғувонларнинг думалоқ учлари (шох-шаббалари); 3 *в знач. прил.* текис, силлиқ, равон; ~**е движе́ния** текис (равон) ҳаракатлар.

ОКРУГЛИ́ТЬ *сов.* (*несов.* **округля́ть**) *что* 1 юмалоқ қилмоқ, юмалоқламоқ, тўгарак ҳолга келтирмоқ; ~ **гу́бы** лабларини чўччайтирмоқ; ~ **глаза́** кўзларини катта очмоқ; 2 *перен. разг.* тугалламоқ; тамомига етказмоқ, пиширмоқ; ~ **свою́ мысль** ўз фикрини тугалламоқ (пиширмоқ); 3 яхлитламоқ, яхлит қилмоқ, яхлитлаб ҳисобламоқ; ~ **счёт** ҳисоб-китобни яхлитламоқ; ~ **ци́фры** рақамларни яхлитламоқ; 4 *перен. разг.* кўпайтирмоқ, йирик суммага етказмоқ,

www.ziyouz.com kutubxonasi

мўмай қилмоқ; **~ капита́л капитални кўпайтирмоқ**; **~ свой сбереже́ния** йиққан пулини катта суммага етказмоқ.

ОКРУГЛИ́/ТЬСЯ *сов.* (*несов.* **округля́ть**) **1** думалоқ бўлмоқ, юмалоқ бўлмоқ, юмалоқланмоқ; **его́ глаза́ ~лись от удивле́ния** ҳайратдан унинг кўзи катталашди; **2** тўлишмоқ, семирмоқ; **пле́чи её ~лись** унинг елкалари тўлишиб қолди; **3** *перен. разг.* тугалланмоқ, тугал ҳолга келмоқ, пишмоқ, тамомига етмоқ; **4** *перен. разг.* йириклашмоқ, кўпаймоқ, йирик суммага етмоқ, мўмай бўлмоқ; **его́ сбереже́ния ~лись** унинг йиққан пули анчага етиб қолди.

ОКРУ́ГЛЫ/Й, -ая, -ое 1 юмалоқ, думалоқ, юмалоқ шаклли; **~й по́черк** юмалоқ дастхат; **~е черты́ лица́** юзнинг юмалоқлиги; **2** текис, силлиқ, равон; **~е движе́ния** силлиқ (равон) ҳаракатлар; **3** *перен. разг.* тугалланган, тамомига етказилган, тугал, пишиқ; **~е фра́зы** тугалланган (тугал) иборалар; **~е мы́сли** пишиқ фикрлар.

ОКРУГЛЯ́ТЬ *несов. см.* **округли́ть**.

ОКРУГЛЯ́ТЬСЯ *несов.* **1** *см.* **округли́ться**; **2** *страд. от* **округля́ть**.

ОКРУЖА́/ТЬ *несов.* **1** *см.* **окружи́ть**; **2** *что* теварагида жойлашган бўлмоқ, теварагини қуршаб (ўраб) турмоқ, ўраб олмоқ; **наш ла́герь ~ют го́ры** бизнинг лагерь (лагеримиз) атрофини тоғлар ўраб олган; **3** *кого* ўрамоқ, ёнида (атрофида) бўлмоқ, бирга бўлмоқ, атрофига тўпланмоқ, доирасини, қуршовини ташкил қилмоқ; **его́ постоя́нно ~ет молодёжь** унинг атрофида доим ёшлар бўлади (тўпланади); **кто его́ ~ет?** унинг атрофида (ёнида) кимлар бўлади?; унинг доираси (қуршови, яқин кишилари) кимлардан иборат?; **4** *перен. кого* ўрамоқ, теварагида ҳукм сурмоқ; **его́ ~ет всео́бщее уваже́ние** уни ҳамма ҳурмат-иззат қилади, у ҳамманинг ҳурматига сазовор; **их ~ла атмосфе́ра недове́рия** уларнинг атрофида (уларга нисбатан) ишончсизлик ҳукм сурарди, уларга ишончсизлик билан қарардилар.

ОКРУЖА́ЮЩ/ИЙ, -ая, -ее 1 *прич. от* **окружа́ть**; **2** *в знач. прил.* ўраб олган, ўраб турувчи, атрофдаги, ён-веридаги; **~ий мир** атрофидаги муҳит, ўраб олган шароит; **3** *в знач. сущ.* **~ие** *мн.* атрофдаги одамлар; **ла́дить с ~ими** атрофдагилар билан яхши муносабатда бўлмоқ, чиқишмоқ; *4 в знач. сущ.* **~ее** *с* атрофдаги нарсалар, атрофдаги муҳит, шароит; **равноду́шие к ~ему** атрофдаги ҳамма нарсага лоқайдлик; **(всё) ~ ее ра́довало его́** атрофдаги ҳамма нарса уни қувонтирар эди.

ОКРУЖЕ́НИ/Е *с* **1** *по гл.* **окружи́ть**; **2** ўраб олган муҳит, шароит; **географи́ческое ~е** географик муҳит; **3** атрофдаги кишилар, яқинлар; доира, муҳит; **~е друзе́й** дўстлар (ёр-биродарлар) доираси; **4** қуршов, қамал; **оказа́ться в ~и** қуршовда қолмоқ; **прорва́ть ~е** қуршовни ёриб ўтмоқ; **вы́йти из ~я** қуршовдан (қамалдан) чиқмоқ; ✦ **в ~и** *кого-чего* бирга, биргалашиб, одамлар орасида, қуршовида; **прибы́ть в ~и друзе́й** дўстлар қуршовида келмоқ.

ОКРУЖИ́/ТЬ *сов.* (*несов.* **окружа́ть**) **1** *кого-что* ўраб олмоқ, қуршаб олмоқ, ўртага олмоқ; **де́ти ~ли учи́теля** болалар ўқитувчини ўраб олишди; **~ть кольцо́м** ҳалқа шаклида ўраб олмоқ, давра олиб ўрамоқ; **2** *кого-что чем* атрофини ўрамоқ, иҳота қилмоқ; **~ть сад забо́ром** боғ атрофини девор билан ўрамоқ; **3** *кого* ўраб (қуршаб) олмоқ, қамал қилмоқ, қуршовга олмоқ; **~ть проти́вника** душманни қуршаб (ўраб) олмоқ; **4** *перен. кого кем-чем* атрофига тўпламоқ (йиғмоқ); **~ть себя́ друзья́ми** атрофига дўстларни тўпламоқ; **~ть себя́ ро́скошью** (уйини) қимматбаҳо нарсалар билан тўлдирмоқ; **5** *перен. кого чем* бахш этмоқ, сазовор қилмоқ, ўрамоқ, бермоқ; **он окружён почётом** у ҳурматга сазовор; у ҳурмат-иззатда; **~ть** *кого-л.* **внима́нием** кимсага ҳурмат-эътибор билан қарамоқ.

ОКРУЖН/О́Й, -а́я, -о́е 1 округга оид; округда бўлган (бўладиган), округ...; **~о́й избира́тельный уча́сток** округ сайлов участкаси; **~а́я партконфере́нция** округ партконференцияси; **2** айланма, ҳалқа; **~а́я желе́зная доро́га** айланма темир йўл.

ОКРУ́ЖНОСТ/Ь *ж* **1** айлана, доира; **центр ~и** айлана маркази; **де́рево трёх ме́тров в ~и** айланаси уч метр дарахт; **2** *уст.* теварак-атрофдаги жой; **Бедне́е их двора́ по всей ~и не́ было** (Л. Толстой) Бутун атрофда уларнинг қўрғонидан камбағали йўқ эди.

ОКРУ́ЖНЫ/Й, -ая, -ое *уст.* **1** атрофдаги, теваракдаги, теварак-атрофдаги; **~е го́ры** атрофдаги тоғлар; **2** *прост.* айланма, айланиш, чеккадаги, чет; **е́хать ~м путём** айланма йўл билан бормоқ.

ОКРУТИ́ТЬ, -учу́, -у́тишь *сов.* (*несов.* **окру́чивать**) **1** *что чем разг.* ўраб-чирмамоқ, ўраб боғламоқ, танғимоқ; **~ пакет бечёвкой** пакетни ип билан ўраб боғламоқ; **~ го́лову платко́м** бошни рўмол билан танғимоқ; **2** *что* атрофига ўрамоқ, ўраб олмоқ, ўраб қўймоқ; **~ ко́сы вокру́г головы́** сочларини бошига ўраб олмоқ (чамбарак қилиб ўрамоқ); **3** *кого прост.* уйлантириб қўймоқ.

ОКРУТИ́ТЬСЯ, -учу́сь, -у́тишься *сов.* (*несов.* **окру́чиваться**) **1** *разг.* ўралмоқ, чирмалмоқ; ўраб, боғлаб олмоқ; **~ ша́лью** шол рўмол билан ўралмоқ, шол рўмолга ўралиб олмоқ; **2** *прост.* уйланмоқ, турмуш қурмоқ.

ОКРУ́ЧИВАТЬ *несов. см.* **окрути́ть**.

ОКРУ́ЧИВАТЬСЯ *несов.* **1** *см.* **окрути́ться**; **2** *страд. от* **окру́чивать**.

ОКРЫЛЕ́НН/ЫЙ, -ая, -ое 1 *прич. от* **окрыли́ть**; *2 в знач. прил. бот. зоол.* қанот чиқарган; қанотчасимон аъзоси бўлган, қанотли; **~ое се́мя** қанотли уруғ; **~ые личи́нки** қанотли қуртлар; **3** *в знач. прил.* руҳланган, руҳи кўтарилган, ғайрати жўш урган, руҳи баланд.

ОКРЫЛИ́/ТЬ *сов.* (*несов.* **окрыля́ть**) *кого* руҳлантирмоқ, руҳини кўтармоқ, руҳ (ғайрат) бағишламоқ; **успе́х его́ ~л** муваффақият уни руҳлантириб юборди; **нас ~ла наде́жда** умид бизга руҳ (ғайрат) бағишлади.

ОКРЫЛИ́/ТЬСЯ *сов.* (*несов.* **окрыля́ться**) **1** *бот. зоол.* қанот чиқармоқ; **личи́нки ~лись** ғумбаклар қанот чиқарди; **2** *перен.* руҳланмоқ, руҳи кўтарилмоқ, ғайратга минмоқ; **~ться мечто́й** орзу-умид билан руҳланмоқ.

ОКРЫЛЯ́ТЬ *несов. см.* **окрыли́ть**.

ОКРЫЛЯ́ТЬСЯ *несов. см.* **окрыли́ться**.

ОКРЫСИ/ТЬСЯ, -ишься *сов. разг.* **1** ирилламоқ, ирилламоқ (ёки ҳурпайиб) таҳдид қилмоқ; **2** жеркимоқ, жеркиб гапирмоқ, жекирмоқ, зарда қилмоқ, ўшқирмоқ, ўдағайламоқ;— **И с чего́, наконе́ц, вы ~лись на Бакла́нова?** (Станюкович) Нима учун сиз Баклановга ўшқирдингиз, ахир?

ОКТАВА *ж* **1** *муз.* октава (диатоник гаммаининг саккизинчи пардаси ва биринчи парда билан саккизинчи парда оралиғи); **2** *муз.* жуда паст йўғон овоз; **3** *лит.* саккиз мисрали шеърий шакл.

ОКТАЭДР *м мат.* октаэдр (саккизта тўғри учбурчаклик билан чегараланган саккизёқлик).

ОКТЕ́Т *м* октет (**1** саккиз асбоб ёки саккиз овоз учун ёзилган музика асари: **2** саккиз созанда ёки хонандадан тузилган ансамбль).

ОКТЯБРЁНОК *м, р.* **-нка** октябрёнок; *см.* **октября́та**.

ОКТЯБРИ́СТ *м* октябрист (1905 йил 17 октябридаги подшо манифести эълон қилингандан кейин тузилган контрреволюцион партиянинг аъзоси ёки унинг тарафдори).

ОКТЯБРИ́СТСК/ИЙ, -ая, -ое октябристларга оид; октябристлар...; **~ая фра́кция в Госуда́рственной ду́ме** Давлат думасидаги октябристлар фракцияси.

ОКТЯБР/Ь *м* **1** октябрь, октябрь ойи; **в ~е** октябрда, октябрь ойида; **2** Октябрь (Буюк Октябрь социалистик революцияси); **пра́здник Октября́** Октябрь байрами.

ОКТЯБРЬСК/ИЙ, -ая, -ое 1 октябрь ойига оид; октябрдаги, октябрь ойида бўлган; октябрь...; **~ие дни** октябрь кунлари; **~ие дожди́** октябрь ёмғирлари; **~ий прохла́дный ве́чер** салқин октябрь оқшоми; **~ая се́ссия** октябрь сессияси; октябрь ойида бўлган сессия; **2** Улуғ Октябрь социалистик революциясига оид; Октябрь социалистик революцияси билан боғланган; Октябрь...; **Октя́брьская револю́ция** Октябрь революцияси; **Октя́брьские торжества́** Октябрь тантаналари.

ОКТЯБРЯ́ТА *мн.* (*ед.* **октябрёнок** *м*) октябрятлар (пионер ёшигача бўлган кичик ёшдаги мактаб ўқувчилари).

ОКУКЛИВА́НИЕ *с* пилла ўраш, ғумбакка айланиш (қурт ҳақида).

ОКУ́КЛИВАТЬСЯ, -ается *несов. см.* **оку́клиться**.

ОКУКЛИ/ТЬСЯ, -ится *сов.* (*несов.* **оку́кливаться**) ғумбакка айланмоқ, пилла ўрамоқ.

ОКУЛИ́РОВАНИЕ *с с.-х. по гл.* **окулирова́ть**; **~ яблонь** олма дарахтларига куртак пайванд қилиш.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ОКУЛИРОВАТЬ *сов.* и *несов.* *что* *с.-х.* куртак пайванд қилмоқ, пайвандламоқ; ~ **сли́вы** олхўрига куртак пайванд қилмоқ.

ОКУЛИРО́ВКА *ж* *с.-х.* 1 *по гл.* **окули́ровать**; 2 куртак пайванд.

ОКУЛИ́СТ *м* окулист, кўз доктори.

ОКУЛЬТУ́РИВАТЬ *несов.* *см.* **окульту́рить.**

ОКУЛЬТУ́РИТЬ *сов.* (*несов.* **окульту́ривать**) *что* 1 маданийлаштирмоқ, экин экишга яроқли қилмоқ; ~ **по́чву** ерни маданийлаштирмоқ; 2 маданийлаштирмоқ (ёввойи ўсимлик ёки ҳайвонларни); ~ **лесну́ю я́блоню** ўрмон олмасини маданийлаштирмоқ.

ОКУЛЯ́Р *м* окуляр (оптик асбобнинг кўзга тутиб қараладиган томондаги шишаси); ~ **периско́па** перископ окуляри.

ОКУНА́ТЬ *несов.* *см.* **окуну́ть.**

ОКУНА́ТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **окуну́ться**; 2 *страд.* *от* **окуна́ть.**

ОКУНЕВЫ́Й, -ая, -ое 1 олабуға балиғига оид; олабуға...; ~**е малько́й** олабуға болалари; 2 *в знач.* *сущ.* ~**е** *мн.* *зоол.* олабуғалар (балиқлар оиласи); **ёрш отно́сится к семе́йству** ~**х** ёрш олабуғалар оиласига мансубдир.

ОКУНУ́ТЬ *сов.* (*несов.* **окуна́ть**) *кого-что* ботирмоқ, шўнғитмоқ, тиқмоқ; пишимоқ; ~ **ру́ку в во́ду** қўлни сувга ботирмоқ; ~ **с голово́й** бошини сувга тиқмоқ, боши билан сувга ботирмоқ (пишимоқ); ~ **перо́ в черни́ла** перони сиёҳга ботирмоқ.

ОКУНУ́/ТЬСЯ *сов.* (*несов.* **окуна́ться**) 1 шўнғимоқ, сувга тушмоқ, кирмоқ; **он** ~**лся до ше́и** у бўйнигача сувга кирди (тушди); 2 *перен.* шўнғимоқ, ботмоқ, чўммоқ, кетмоқ, толмоқ; **пога́сла ла́мпа, и ко́мната окону́лась в густо́й мрак** лампа ўчиб, хона қоп-қоронғи бўлиб қолди; **ребёнок** ~**лся в сон** бола уйқуга кетди; 3 *перен.* берилиб (шўнғиб) кетмоқ, қаттиқ киришмоқ, ичига кирмоқ; ~**ться в рабо́ту** ишга берилиб кетмоқ, ишга шўнғиб кетмоқ.

ОКУНЬ *м* окунь, олабуға (балиқ).

ОКУПАЕМОСТЬ *ж* чиқимни (харажатни) қоплай (ёки кўтара) олиш; кетган харажатларни чиқариш; ~ **затра́т** сарфланган маблағларни қоплай олиш; сарфланган маблағларнинг чиқарилиши.

ОКУПА́ТЬ *несов.* *см.* **окупи́ть.**

ОКУПА́ТЬСЯ, -а́ется *несов.* *см.* **окупи́ться.**

ОКУПИ́ТЬ, -уплю́, -у́пишь *сов.* (*несов.* **окупа́ть**) *что* 1 чиқимни (харажатни) қопламоқ, кўтармоқ, чиқармоқ; ~ **расхо́ды** харажатларни қопламоқ; харажатларни қоплаб (чиқариб) даромад келтира бошламоқ; 2 *перен.* *прост.* ўрнини тўлдирмоқ; ювмоқ, оқламоқ; ~ **вину́** гуноҳини ювмоқ, гуноҳини ювиб, ўзини оқламоқ.

ОКУПИ́/ТЬСЯ, оку́пится *сов.* (*несов.* **окупа́ться**) харажатини оқламоқ; харажат ўрни тўлмоқ, қопланмоқ; **затра́ты** ~**лись с лихво́й** харажатлар ортиғи билан қопланди; 2 *перен.* *разг.* ўрни тўлмоқ, ювилмоқ; ўзини оқламоқ, ижобий натижа бермоқ, фойда келтирмоқ; **на́ши хло́поты обяза́тельно оку́пятся** бизнинг ҳаракатларимиз албатта бекор кетмайди.

ОКУРГУЗИТЬ, -у́жу, -у́зишь *сов.* *что* *прост.* жуда калта (қисқа, чўлтоқ) қилиб қўймоқ; ~**пальто́** пальтони жуда калта қилиб қўймоқ.

ОКУРИВАНИ/Е *с* *по гл.* **оку́ривать**; ~**е плодо́вых дере́вьев** мевали дарахтларни дудлаш; ~**е амба́ров** омборни дудлаш; **ка́мера** ~**я** дудлаш камераси.

ОКУРИВА́ТЬ *несов.* *см.* **окури́ть.**

ОКУРИ́ТЬ, -урю́, -у́ришь *сов.* (*несов.* **оку́ривать**) *кого-что* дудламоқ, тутун билан ишламоқ; тутатмоқ, тутун бостирмоқ; ~ **сад** боғни дудламоқ; ~ **се́рой** олтингугурт билан дудламоқ.

ОКУ́РОК *м*, *р.* **-рка** чекиб ташланган папирос; ~ **сигаре́ты** чекиб ташланган сигареталар.

ОКУТА/ТЬ *сов.* (*несов.* **оку́тывать**) *кого-что* 1 *во что, чем* ўрамоқ, буркамоқ, чулғамоқ; ўраб (буркаб, чулғаб) қўймоқ; ~**ть ребёнка в одея́ло** болани кўрпага ўраб қўймоқ; ~**ть пле́чи пухо́вым плато́м** елкаларини жун рўмол билан ўраб олмоқ; 2 *перен.* ўраб олмоқ, қопламоқ, қамрамоқ, босмоқ; **тума́н** ~**л лес** ўрмонни туман ўраб олди; **не́бо** ~**но ту́чами** осмон булут билан қопланган, осмонни булут қоплади (босди); ✦ ~**нный та́йной** сирли, сирларга чулғанган; **Происхожде́ние Анто́ся бы́ло** ~**но для нас та́йной** (Короленко) Антосянинг келиб чиқиши биз учун сирли (бизга бутунлай номаълум) эди.

ОКУТА/ТЬСЯ *сов.* (*несов.* **оку́тываться**) 1 ўралмоқ, ўранмоқ, буркалмоқ, бурканмоқ, ўралиб олмоқ; ~**ться пле́дом** шол рўмолга ўранмоқ, шол рўмолга ўралиб олмоқ; 2 *перен.* қопланмоқ, чулғанмоқ; **горизо́нт** ~**лся мглой** уфқ ғира-шира туман билан қопланди, уфқни ғира-шира туман (ёки қоронғилик) босди.

ОКУ́ТЫВАТЬ *несов.* *см.* **оку́тать.**

ОКУ́ТЫВАТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **оку́таться**; 2 *страд.* *от* **оку́тывать.**

ОКУ́ЧИВАНИЕ *с* *по гл.* **оку́чивать**; ~ **кукуру́зы жўхорини** чопиқ қилиш; жўхори чопиғи.

ОКУ́ЧИВАТЬ *несов.* *см.* **оку́чить.**

ОКУ́ЧИТЬ *сов.* (*несов.* **оку́чивать**) *что* чопмоқ, чопиқ қилмоқ; ~ **хлопча́тник** ғўзани чопиқ қилмоқ, ғўза чопмоқ.

ОКУ́ЧКА *ж* *разг.* *по гл.* **оку́чить**; ~ **карто́феля** картошка чопиғи.

ОКУ́ЧНИК *м* окучник (чопиқ асбоби, машинаси).

ОЛАДЬ/Я *ж*, *р.* *мн.* **-дий** оладья (товада пиширилган қалин қуймоқсимон нон); **печь** ~**и** оладья пиширмоқ.

ОЛЕА́НДР *м* самбитгул; **бе́лый** ~ оқ самбитгул.

ОЛЕАНДРОВЫ́Й, -ая, -ое самбитгулга оид; самбитгул...; ~ **куст** самбитгул бутаси, тупи.

ОЛЕДЕНЕВА́ТЬ *несов.* *см.* **оледене́ть.**

ОЛЕДЕНЕЛЫЙ, -ая, -ое 1 *то же, что* **обледене́лый**; 2 совиган, қотиб қолган, музлаб қолган (мурда ҳақида).

ОЛЕДЕНЕ́НИЕ *с* *по гл.* **оледене́ть**; ~ **пове́рхности земли́** ер юзасидаги музликлар, ер юзасининг музлаши.

ОЛЕДЕНЕ́ТЬ *сов.* (*несов.* **оледенева́ть**) 1 *то же, что* **обледене́ть**; 2 қаттиқ совқотмоқ, музлаб қолмоқ, музлаб қотиб қолмоқ; ~ **на ветру́** шамолда музлаб кетмоқ.

ОЛЕДЕНИ́ТЬ *сов.* *то же, что* **обледени́ть.**

ОЛЕНЕБЫ́К *м* *зоол.* буғубуқа.

ОЛЕНЕВО́Д *м* буғучи, буғучилик мутахассиси.

ОЛЕНЕВО́ДСТВО *с* буғучилик.

ОЛЕНЕВО́ДЧЕСКИЙ, -ая, -ое буғучиликка оид; буғучилик...; ~ **совхо́з** буғучилик совхози.

ОЛЕНЁНОК *м*, *р.* **-нка**, *мн.* **-ня́та** буғу боласи.

ОЛЕ́Н/ИЙ, -ья, -ье буғуга оид; буғу...; ~**ья шку́ра** буғу териси; ~**ье ста́до** буғу подаси; ✦ ~**ий мох** буғу йўсини (шимол буғуларига овқат бўладиган лишайник тури).

ОЛЕНИНА *ж* буғу гўшти.

ОЛЕ́НЬ *м* буғу; **пятни́стый** ~ олачипор буғу; **се́верный** ~ шимол буғуси.

ОЛЕОГРАФИ́ЧЕСК/ИЙ, -ая, -ое олеографияга оид; олеография усули билан ишланган, босилган; олеографик; ~**ая карти́на** олеографик картина (расм).

ОЛЕОГРА́ФИЯ *ж* олеография (1 мой бўёқ билан ишланган расмлардан кўплаб нусха чоп қилиш усули; 2 шу усулда босилган расм).

ОЛИ́ВА *ж* зайтун (дарахти ва меваси).

ОЛИВИ́Н *м* оливин (сарғиш яшил ёки сариқ рангли минерал).

ОЛИ́ВКА *ж*, *р.* *мн.* **-вок** *то же, что* **оли́ва.**

ОЛИ́ВКОВ/ЫЙ, -ая, -ое 1 зайтунга оид; зайтун...; ~**ая ро́ща** зайтунзор; ~**ое де́рево** зайтун дарахти; 2 зайтун мевасидан олинадиган; зайтун...; ~**ое ма́сло** зайтун мойи; 3 оч жигар ранг, оч сариқ; ~**ый ше́лк** оч жигар ранг шойи; ✦ ~**ая ветвь** зайтун новдаси (тинчлик тимсоли).

ОЛИГА́РХ *м* олигарх (1 олигархияга мансуб киши; 2 *перен.* йирик монополистик капитал вакили, империалист).

ОЛИГАРХИ́ЧЕСКИЙ, -ая, -ое олигархияга оид; олигархия асосидаги; олигархия...; ~ **строй** олигархия тузуми.

ОЛИГА́РХИЯ олигархия (1 Юнонистонда: ҳокимият бир тўда қудратли кишилар, аристократлар қўлида бўлган тузум ва шу тўданинг ўзи; 2 *перен.* бир тўда империалистларнинг, йирик монополистик капитал вакилларининг сиёсий ва иқтисодий ҳукмронлиги; **фина́нсовая** ~ молия олигархияси).

ОЛИМП *м* 1 *миф.* Олимп (юнон афсоналарида: худолар макони; худолар мажлиси); 2 *шутл.* и *ирон.* машҳур

www.ziyouz.com kutubxonasi

кишилар, арбоблар тўдаси; **литерату́рный** ~ адабиёт арбоблари (машҳур, атоқли ёзувчи ва адиблар).

ОЛИМПИА́ДА *ж* олимпиада (1 Юнонистонда: олимпиада ўйинлари орасидаги тўрт йиллик вақт ўлчови; 2 ҳар тўрт йилда ўтадиган халқаро спорт мусобақалари; 3 бирор соҳа бўйича конкурс ёки кўрик; ~ **худо́жественной самодея́тельности** бадиий ҳаваскорлик олимпиадаси; **матема́тическая** ~ математика олимпиадаси).

ОЛИМПИЕ́Ц *м, р.* **-и́йца** 1 юнон афсоналарида: Олимпда яшовчи худо; 2 салобатли, вазмин одам; 3 олимпиадачи, олимпиада ўйинлари иштирокчиси.

ОЛИМПИ́ЙКА *ж, р. мн.* **-и́ек** *см.* **олимпи́ец** 3.

ОЛИМПИ́ЙСК/ИЙ, -ая, -ое 1 Олимпга оид; Олимпда яшовчи; ~**ие бо́ги** Олимп худолари; 2 улуғвор, басавлат, салобатли, вазмин; ~**ое споко́йствие** улуғвор вазминлик, осойишталик; 3 олимпиадага оид; олимпиада...; ~**ие и́гры** олимпиада ўйинлари; ~**ая дере́вня** олимпиада қишлоғи (олимпиада иштирокчилари учун махсус қурилган турар жой бинолари); ~**ий фа́кел** олимпиада машъали; ~**ая систе́ма** олимпиада системаси.

ОЛИ́ФА *ж* алиф мой, алиф.

ОЛИЦЕТВОРЕ́НИЕ *с* 1 *по гл.* **олицетвори́ть** 1; ~ **сил приро́ды** табиат кучларини жонли деб билиш, жонлантириб тасвирлаш; 2 конкрет образ орқали ифодалаш, жонли образ орқали гавдалантириш, мужассамлантириш, тажассум этиш; 3 *чего* бирор нарсанинг тимсоли, намунаси, яққол ифода ёки тажассуми; ~ **зла** ёмонлик тимсоли (тажассуми); ~ **добра́** яхшилик тимсоли (тажассуми); 4 *лит.* жонсиз нарса ёки ҳайвонларни одам хусусиятларига молик қилиб тасвирлашдан иборат адабий услуб.

ОЛИЦЕТВОРЕ́ННЫЙ, -ая, -ое 1 *прич. от* **олицетвори́ть**; 2 *в знач. прил.* тимсоли (тажассуми, мужассами) бўлган, ўзида мужассамлантирган; ~**ое трудолю́бие** меҳнатсеварликнинг тимсоли;— **Алексе́й Вро́нский есть** ~**ая честь** (Л. Толстой)— Алексей Вронский ор-номуслиликнинг тажассумидир.

ОЛИЦЕТВОРИ́ТЬ *сов.* (*несов.* **олицетворя́ть**) 1 *что* жонли деб билмоқ, жонли қилиб кўрсатмоқ, жон киргизиб (жонлантириб) тасвирламоқ; ~ **приро́ду** табиатни жонлантириб тасвирламоқ; 2 конкрет образ орқали ифодаламоқ, жонли образ орқали гавдалантирмоқ, мужассамлантирмоқ, тажассум этмоқ; ... ~ **зна́чит — отвлечённую иде́ю воплоти́ть в о́браз** (Белинский) ...тажассум этмоқ мавҳум ғояни конкрет образ орқали ифодаламоқ демакдир.

ОЛИЦЕТВОРЯ́ТЬ *несов.* 1 *см.* **олицетвори́ть**; 2 бирор нарсанинг тимсоли (намунаси ёки мужассами) бўлмоқ; бирор нарсани ўзида гавдалантирмоқ, мужассамлантирмоқ, мужассам қилмоқ.

О́ЛОВО *с* қалай.

ОЛОВЯ́ННЫЙ, -ая, -ое 1 қалайга оид; қалайдан қилинган; қалайли, қалай...; ~ **сли́ток** қалай қуйма(си); 2 қалай ранг, қалай рангидаги; 3 *перен.* хира, маъносиз; ~ **взгляд** маъносиз қараш.

О́ЛУХ *м прост.* аҳмоқ, тентак, нодон; меров; ✦ ~ **царя́ небе́сного** *прост.* худонинг нодон бандаси, аммамнинг бузоғи.

ОЛЬХА́ *ж, мн.* **о́льхи** *бот.* ольха (дарахт ёки бута); ~ **кле́йкая** (или **чёрная**) қандоғоч.

ОЛЬХО́ВНИК *м то же, что* **ольша́ник** 1.

ОЛЬХО́В/ЫЙ, -ая, -ое ольхага оид; ольха...; ~**ая кора́** ольха пўстлоғи.

ОЛЬША́НИК *м* 1 ольхазор; 2 ольха босган ботқоқзор.

ОМ *м* ом (электр қаршилигининг ўлчов бирлиги).

ОМА́Р *м* омар (катта денгиз қисқичбақаси).

ОМА́ЧИВАТЬ *несов. см.* **омочи́ть**.

ОМЕ́Г/А *ж* омега (грек алфавитининг сўнгги ҳарфи); ✦ **а́льфа и** ~**а**; **от а́льфы до** ~**и** *см.* **а́льфа**.

ОМЕДНИ́ТЬ *сов.* (*несов.* **омедня́ть**) *что тех.* мис билан қопламоқ, мис югуртирмоқ.

ОМЕДНЯ́ТЬ *несов. см.* **омедни́ть**.

ОМЕЛА *ж бот.* омела (дарахтларга ёпишиб яшайдиган доим яшил бута).

ОМЕЛЕ́ТЬ, -е́ет *сов. то же, что* **обмелеть** 1.

ОМЕРЗЕ́НИЕ *с* жирканиш, нафратланиш; **внуша́ть** ~ жиркантирмоқ; нафратлантирмоқ; **испы́тывать** ~ жирканмоқ, нафратланмоқ.

ОМЕРЗИТЕ́ЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое; -лен, -льна 1 жирканч, қабиҳ, разил, манфур; жуда ёмон; ~**ое зре́лище** жирканч манзара; ~**ый за́пах** жуда ёмон ҳид, кўнгил айнитадиган ҳид; 2 жуда ёмон, хунук; ~**ый посту́пок** ёмон (хунук) иш; ~**ая пого́да** жуда ёмон об-ҳаво; ~**ое настрое́ние** жуда ёмон кайфият.

ОМЕРТВЕ́ЛЫ/Й, -ая, -ое 1 сезиш ҳиссини йўқотган, қуриб қолган, сезмайдиган, жонсиз, ўлик, карахт, шол; ~**е па́льцы** жонсиз бўлиб (қуриб) қолган бармоқлар; ~**е лепестки́** қуриб қолган гулбарглар; 2 *перен.* ўлик, ҳаракатсиз қотган, серрайган, жонсиз; ~**й взгляд** ўлик нигоҳ; 3 *перен.* кимсасиз, ҳувиллаб қолган, тирик жон қолмаган; ~**е у́лицы** ҳувиллаб қолган (ётган) бўм-бўш кўчалар.

ОМЕРТВЕ́НИЕ *с по гл.* **омертве́ть** 1; ~ **стопы́** оёқнинг жонсизланиши; ~ **тка́ней** тўқималарнинг ўлиши.

ОМЕРТВЕ́/ТЬ *сов.* 1 сезиш қобилиятини йўқотмоқ, сезмайдиган (жонсиз) бўлиб қолмоқ, қуриб қолмоқ, шол бўлмоқ, ўлмоқ, карахт бўлмоқ; **ли́стья** ~**ли** барглар қуриб қолди; 2 *перен.* ҳаракатсиз қотмоқ, серрайиб қотиб қолмоқ, донг қотиб қолмоқ; ~**ть от стра́ха** қўрқувдан серрайиб қотиб қолмоқ; 3 *перен.* ҳувиллаб қолмоқ; **с отъе́здом дете́й дом** ~**л** болалар кетгандан сўнг уй ҳувиллаб қолди.

ОМЕРТВИ́ТЬ, -влю́, -ви́шь *сов.* (*несов.* **омертвля́ть**) *что* 1 сезмайдиган (жонсиз) қилиб қўймоқ, жонсизлантирмоқ, карахт қилмоқ, ўлдирмоқ; ~ **кле́тку** ҳужайрани ўлдирмоқ, ҳужайрани карахт қилмоқ; 2 *перен.* сустлаштириб қўймоқ, ланж қилиб юбормоқ; ўлдирмоқ; ~ **де́ло** ишни ўлдирмоқ, ишни сустлаштириб қўймоқ; 3 *перен.* оборотдан чиқармоқ, ташлаб (бекор ётқизиб) қўймоқ, ишлатмай қўймоқ; ~ **капита́л** капитални оборотдан чиқариб қўймоқ, капитални ишлатмай ташлаб қўймоқ.

ОМЕРТВЛЕ́НИЕ *с по гл.* **омертви́ть**; ~ **обору́дования** ускуналарни ишлатмай (бекор ётқизиб) қўйиш.

ОМЕРТВЛЯ́ТЬ *несов. см.* **омертви́ть**.

ОМЕ́Т *м с.-х.* похол уюми; ғарам.

ОМИ́ЧЕСК/ИЙ: ~**ое сопротивле́ние** *физ.* ом қаршилиги.

ОМЛЕ́Т *м кул.* қуймоқ.

ОММЕ́ТР *м физ.* омметр.

ОМНИБУС *м* омнибус (кўп ўринли киракаш извош).

ОМНИБУСН/ЫЙ, -ая, -ое омнибусга оид, омнибус...; ~**ое сообще́ние** омнибус қатнови.

ОМОВЕ́НИЕ *с рел.* ювиниш, таҳорат қилиш; таҳорат; **соверши́ть** ~ таҳорат қилмоқ.

ОМОЛА́ЖИВАНИЕ *с* 1 *по гл.* **омола́живать** и **омола́живаться**; ~ **лица́** юзини ёшартириш, ёш қилиб кўрсатиш; ~**организа́ции** ташкилотни ёшартириш, ташкилотга ёшларни жалб этиш, ташкилотда ёшлар сонини кўпайтириш; ~ **организ́ма** организмнинг ёшариши; организмни ёшартириш; 2 *с.-х.* ~ **и́вы** толни бутаб (каллаклаб) ёшартириш.

ОМОЛА́ЖИВАТЬ *несов. см.* **омолоди́ть**.

ОМОЛА́ЖИВАТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **омолоди́ться**; 2 *страд. от* **омола́живать**.

ОМОЛОДИ́/ТЬ, -ожу́, -оди́шь *сов.* (*несов.* **омола́живать**) 1 *кого-что* ёшартмоқ, ёшартирмоқ, ёш қилиб кўрсатмоқ; **улы́бка** ~**ла его́ лицо́** табассум унинг юзини ёшартирди (ёшартириб юборди, кўрсатди); 2 *что разг.* ёшартирмоқ, ёшларни жалб этмоқ, ёшлар сонини кўпайтирмоқ; ~**ть ка́дры** кадрлар составини ёшартирмоқ; 3 *кого-что биол.* ёшартмоқ, ёшартирмоқ; ~**ть организ́м** организмни ёшартирмоқ; 4 *с.-х.* бутаб (каллаклаб) ёшартирмоқ; ~**ть я́блони** олма дарахтларини бутаб (каллаклаб) ёшартирмоқ.

ОМОЛОДИ́ТЬСЯ, -ожу́сь, -оди́шься *сов.* (*несов.* **омола́живаться**) 1 *разг.* ёшармоқ, ёшариб кетмоқ, ёш ҳолига қайтмоқ, ёш кўринмоқ; 2 ёшармоқ, ёшлар сони кўпаймоқ.

ОМОЛОЖЕ́НИЕ *с биол.* ёшартириш, ёшартиш, ёш ҳолига қайтириш.

ОМОНИ́М *м лингв.* омоним (шакли бир, маъноси бошқа-бошқа сўзлар).

ОМОНИ́МИКА *ж лингв.* омонимика (1 бирор тилдаги омонимлар мажмуи; 2 лексикологиянинг омонимлар ҳақидаги бўлими).

www.ziyouz.com kutubxonasi

ОМОНИМИ́ЧЕСКИ/Й, -ая, -ое *лингв.* омонимик; омоним...; ~е па́ры омонимик жуфтликлар.

ОМОНИМИ́Я *ж лингв.* омонимия, омонимлик, шакллошлик.

ОМОЧИ́ТЬ, -очу, -о́чишь *сов. (несов.* **ома́чивать**) *что книжн.* ҳўл қилмоқ, ҳўлламоқ, намламоқ; ~ гу́бы лабини ҳўлламоқ; **Глаза́ его́ бы́ли омо́чены слеза́ми** (Достоевский) Унинг кўзлари ёшланган эди.

ОМОЧИ́/ТЬСЯ, -о́чится *сов. книжн.* ҳўл бўлмоқ, намланмоқ; **его́ руба́шка ~лась по́том** унинг кўйлаги тердан ҳўл бўлиб кетди (терга ботди).

ОМРАЧА́ТЬ *несов. см.* **омрачи́ть.**

ОМРАЧА́ТЬСЯ, -а́ется *несов.* 1 *см.* **омрачи́ться;** 2 *страд. от* **омрача́ть.**

ОМРАЧЁНН/ЫЙ, -ая, -ое 1 *прич. от* **омрачи́ть;** 2 *в знач. прил. уст.* қоронғи босган, қоронги; булутли, туманли; **~ое не́бо** булут (ёки туман) билан қопланган осмон; 3 *перен. в знач. прил.* хиралашган, ўтмаслашган, айнинган; айниб (кирали-чиқали бўлиб) қолган, кирали-чиқали; **~ое созна́ние** хиралашган онг; айниган мия; 4 *в знач. прил.* хафа бўлган, бузилган, ғамгин, хафагазак; **~ый вид** ғамгин кўриниш.

ОМРАЧИ́/ТЬ *сов. (несов.* **омрача́ть**) 1 *что уст.* қоронғи қилмоқ, қоронғилаштирмоқ; (туман, булут) босмоқ, қопламоқ; **ночь ~ла у́лицы** тун кўчаларни қоронғилаштирди; 2 *перен. что* ақлини олмоқ, хиралаштирмоқ, ўтмаслаштирмоқ, кирали-чиқали қилиб қўймоқ; **~ть рассу́док** ақлини хиралаштирмоқ; 3 *кого-что* хафа (хира) қилмоқ, қайғуга солмоқ; **го́рестные ве́сти ~ли его́** қайғули хабарлар уни хафа қилиб қўйди; 4 *кого-что* хафа қилмоқ, ғамгин қилиб қўймоқ, кўнглини (кайфиятини) бузмоқ; **~ть настрое́ние** кайфиятни бузмоқ; **~ть** *кого-л.* **слеза́ми** кўз ёши билан хафа қилиб қўймоқ.

ОМРАЧИ́/ТЬСЯ, -и́тся *сов. (несов.* **омрача́ться**) 1 *уст.* хиралашмоқ, қоронғи бўлмоқ; **горизо́нт ~лся** уфқ қоронғилашди; уфқни қоронғи(лик) босди; 2 *перен.* хиралашмоқ, ўтмасланмоқ, кирали-чиқали бўлиб қолмоқ, айнимоқ; **созна́ние больно́го ~лось** беморнинг онги хиралашди; беморнинг мияси айниди; бемор ақлдан озди; 3 хафа бўлмоқ, қайғуга тушмоқ, ғамгин бўлиб қолмоқ, кўнгли (кайфияти) бузилмоқ; **её лицо́ ~лось** унинг юзини қайғу босди (хафалик қоплади); **весе́лье ~лось** хурсандчилик (кайфияти) бузилди.

ОМУ́ЛЁВ/ЫЙ, -ая, -ое омуль балиғига оид; омуль...; **~ая икра́** омуль балиғининг увулдирғи (икраси).

ОМУ́ЛЬ *м, р. мн.* **-ле́й** омуль (лосослар туркумига мансуб балиқ).

О́МУТ *м* 1 сув остидаги чуқур жой, ўпқон, камар; 2 гирдоб, айланма (сувдаги); 3 *перен. чего* или *какой* ўзига (гирдобига) тортиб, йўлдан оздирадиган, ҳалок қиладиган нарса (шароит, муҳит ва ҳ. к.); гирдоб; ~ престу́пного ми́ра жиноятчилар гирдоби; ✦ **в ти́хом ~е че́рти во́дятся** ҳамма гап писмиқдан чиқади, писмиқдан кўп иш келади, писмиқдан кўрққулик.

ОМУТИ́СТ/ЫЙ, -ая, -ое ўпқонлари кўп, серўпқон, серкамар; **~ая река́** серўпқон дарё.

ОМША́НИК *м* омшаник (асаларилар учун махсус қишлик бино).

ОМЫВА́/ТЬ *несов.* 1 *см.* **омы́ть;** 2 *что* атрофидан, ёнидан оқиб ўтмоқ, сийпаб ўтмоқ; **река́ ~ет берега́** дарё қирғоқларни сийпаб ўтади (оқади); 3 *что* ўрамоқ, ўраб олмоқ (сув ҳавзалари ҳақида); **Сове́тский Сою́з с за́пада ~ет Балти́йское мо́ре** Совет Иттифоқининг ғарб томонини Болтиқ денгизи ўраган.

ОМЫВА́ТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **омы́ться;** 2 *страд. от* **омыва́ть** 1.

ОМЫЛЕ́НИЕ *с хим.* совунланиш (органик бирикмаларнинг сувда ёки ишқорларда парчаланиши); ~ жиро́в мойларнинг совунланиши.

ОМЫ/ТЬ, омо́ю, омо́ешь *сов. (несов.* **омыва́ть**) *книжн.* 1 *то же, что* **обмы́ть** 1; 2 *что* ювиб кетмоқ; ўпириб кетмоқ; **во́лны ~ли песо́к** қумни тўлқинлар ювиб кетди; 3 *перен. что уст.* ўз обрўйини тикламоқ (дуэлга чақириб); 4 *перен. что уст.* гуноҳини қони билан ювмоқ.

ОМЫ́ТЬСЯ, омо́юсь, омо́ешься *сов. (несов.* **омыва́ться**) *книжн. то же, что* **обмы́ться.**

ОН, его́, ему́, им, о нём; она́; оно́ *мест. личн.* у; э́то он сде́лал бу ишни у қилган, бу ундан келган иш; **таки́х, как он, мно́го** унга ўхшаганлар кўп; **он са́мый** унинг ўзи; худди ўша; **э́то ты? — Он са́мый** бу сенмисан? — Ҳа, мен; **его́ до́ма нет** у уйда йўқ, у уйда эмас; **вы его́ ви́дели?** уни кўрдингизми?; **у него́ не́ было вре́мени** унинг вақти йўқ эди; **ты на него́ не смотри́** сен унга қарама; **ты на него́ не обижа́йся** сен ундан хафа бўлма; **тетра́ди у него́** дафтарлар унда; **ему́ сле́дует отдохну́ть** у(нинг) дам олиши керак; **да́йте ему́ кни́гу** унга китобни беринг; **вы пойдёте к нему́?** сиз унинг олдига (уникига) борасизми?; **я им дово́лен** мен ундан хурсандман; **прочи́танная им кни́га** у ўқиган китоб; **ты рабо́таешь вме́сте с ним?** сен у билан бирга ишлайсанми?; **с ним ничего́ не случи́лось** унга ҳеч нарса бўлгани йўқ; **что с ним?** унга нима бўлди?; **кто о нём спра́шивал?** уни ким сўради?; **что ты о нём зна́ешь?** сен унинг тўғрисида нима биласан?; **мы о нём мно́го слы́шали** биз унинг ҳақида кўп нарса эшитганмиз; **на нём был се́рый плащ** унинг устида кул ранг плашч бор эди; **при нём не́ было де́нег** унинг ёнида пули йўқ эди; **а па́спорт был при нём?** паспорти ёнидамиди?; **при нём ничего́ нельзя́ расска́зывать** унинг олдида ҳеч нарса айтиб (гапириб) бўлмайди; ✦ **пусть (или пуска́й) его́** қўявер, майли, билганини қилаверсин; **кто его́ зна́ет** ким билади дейсиз; **вот я его́** қараб турсин, ҳали, бир адабини бериб қўяй.

ОНА́, её, ей (ею), о ней *мест. личн. см.* **он.**

ОНАГР *м зоол.* ёввойи эшак.

ОНАНИ́ЗМ *м* онанизм, капаки.

ОНДА́ТРА *ж* ондатра.

ОНДА́ТРОВЫЙ, -ая, -ое ондатрага оид; ондатра мўйнасидан тикилган; ондатра...; ~ **воротни́к** ондатра ёқа.

ОНЕМЕ́ЛЫ/Й, -ая, -ое 1 *уст.* тилдан қолган, гунг бўлиб қолган, тилсиз, гунг, соқов; 2 *разг.* увушиб қолган; увушган; **~е па́льцы** увушиб қолган бармоқлар.

ОНЕМЕ́НИ/Е *с по гл.* **онеме́ть; испуга́ться до ~я** қўрққанидан (қўрқиб) гапиролмай қолиш; **~е па́льцев** бармоқларнинг увушиб қолиши.

ОНЕМЕ́/ТЬ *сов.* 1 тилдан қолмоқ, тилсиз бўлиб (гапиролмай) қолмоқ, гунг (соқов) бўлиб қолмоқ; 2 увушиб қолмоқ, қотиб қолмоқ; **от до́лгого сиде́ния ~ли но́ги** кўп (узоқ) ўтиргандан оёқлар увушиб қолди.

ОНЕМЕ́ЧЕНИЕ *с по гл.* **онеме́чить** и **онеме́читься.**

ОНЕМЕ́ЧИВАНИЕ *с по гл.* **онеме́чивать** и **онеме́чиваться.**

ОНЕМЕ́ЧИВАТЬ *несов. см.* **онеме́чить.**

ОНЕМЕ́ЧИВАТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **онеме́читься;** 2 *страд. от* **онеме́чивать.**

ОНЕМЕ́ЧИТЬ *сов. (несов.* **онеме́чивать**) *кого* немислаштирмоқ.

ОНЕМЕ́ЧИТЬСЯ *сов. (несов.* **онеме́чиваться**) немислашмоқ.

ОНЁР/Ы *мн. (ед.* **онёр** *м*): **со все́ми ~ами** *уст.* ҳамма керакли нарсалари билан бирга, тўла, тўла-тўкис.

ОНИ́, их, им, и́ми, о них *мест. личн.* 1 улар; **э́то ~** бу улар; булар ўшалар; **~ и мы** биз ва улар, улар билан биз; **вот ~, твои́ кни́ги** мана сенинг китобларинг; **э́то ~ сде́лали са́ми** буни уларнинг ўзлари қилди (қилган); **пусть ~ подожду́т** улар кутиб туришсин; **их кто́-нибудь ви́дел?** уларни ким кўрди?; уларни бирор киши кўрдими?; **их никто́ не зна́ет** уларни ҳеч ким билмайди; **у них не́ было де́нег** уларда пул йўқ эди; **вы на них не смотри́те** сиз уларга қараманг, сиз улардан ўрнак олманг; **вы то́лько посмотри́те на них!** сиз уларга бир қараб қўйинг-а!; уларни қаранг-а!; **что вы в них нашли́?** уларнинг нимаси сизга ёқиб қолди?; уларнинг нимаси яхши?; **при них бы́ло мно́го бага́жа** уларнинг юки кўп эди; **при них лу́чше помолча́ть** уларнинг олдида жим ўтирган яхши; **для них есть письмо́** уларга хат бор; **им ну́жно найти́ ко́мнату** уларга уй топиш керак; **что вы им отве́тили?** сиз уларга нима жавоб бердингиз?; **кто к ним пришёл?** уларникига (уларнинг олдига) ким келди?; **ря́дом с ни́ми бы́ло мно́го провожа́ющих** уларнинг ёнларида кузатувчилар кўп эди; **ты пое́дешь**

www.ziyouz.com kutubxonasi

вме́сте с ни́ми? сен улар билан бирга борасанми?; **мы о них не говори́ли** биз улар тўғрисида гапирмадик; **что о них слы́шно?** улар тўғрисида қандай гаплар бор?; 2 *уст. прост.* у киши, улар (ҳурмат билан сизлаш формаси); **хозя́йка до́ма?— Нет, ~ вышли** уй бекаси уйдами?— Йўқ, у киши (улар) чиқиб кетган эдилар.

ОНИКС *м мин.* оникс (ақиқнинг йўл-йўл, тарам-тарам тури).

ОНИКСОВ/ЫЙ, -ая, -ое ониксга оид; ониксдан ясалган; оникс...; **~ая облицо́вка коло́нны** колоннанинг оникс қопламаси.

ОНКО́ЛОГ *м* онколог, онкология мутахассиси.

ОНКОЛОГИ́ЧЕСКИЙ, -ая, -ое онкологияга оид; онкологик; онкология...; **~ институ́т** онкология институти.

ОНКОЛО́ГИЯ *ж* онкология (медицинанинг ўсма, шиш ва уларни даволаш ҳақидаги бўлими).

ОНО́, его́, ему́, им, о нём *мест. личн.* 1 *см.* **он**; 2 *разг.* юқорида айтилган гапни, нарсани таъкидлаш учун ишлатилади; бу, шу, айтгандай; **оно́ и поня́тно** бу маълум, бу тушунарли; 3 *в знач. частицы разг.* -у, -ку; **оно́, коне́чно, лу́чше пойти́** албатта, борган яхши-ку; ✦ **вон оно́ что** (или **вот оно́ как**) ҳали шунақами, ҳали гап шундайми; **то-то и оно́** ҳамма гап шунда-да.

ОНОМА́СТИКА *ж* ономастика (1 бирор тилдаги атоқли отлар мажмуи; 2 тилшуносликнинг атоқли отлар ҳақидаги бўлими).

ОНОМАТОЛОГИ́ЧЕСКИ/Й, -ая, -ое ономатологияга оид; ономатологик; **~е иссле́дования** ономатологик тадқиқотлар.

ОНОМАТОЛО́ГИЯ *ж то же, что* **онома́стика** 2.

ОНТОГЕНЕ́З *м биол.* онтогенез (организмнинг юзага келгандан бошлаб то умрининг охиригача бўлган индивидуал ривожланиш йўли).

ОНТОГЕНЕТИ́ЧЕСКИЙ, -ая, -ое онтогенезга оид; онтогенетик; онтогенез...; **~ проце́сс** онтогенетик жараён; онтогенез жараёни.

ОНУ́ЧА *ж* пайтава.

ОНЫЙ, -ая, -ое *мест. указат. книжн. уст.* ўша, шу, мазкур; **~ челове́к** ўша (шу) одам; **о́ная кни́га** ўша (шу) китоб; мазкур китоб; ✦ **во вре́мя о́но; во времена́ о́ны** *уст. и шутл.* қачонлардир қадимда, қадим замонларда, бир вақтлар(да).

ОПАДА́НИЕ *с по гл.* **опада́ть; ~ о́пухоли** шишнинг қайтиши.

ОПАДА́ТЬ *несов. см.* **опа́сть.**

ОПАДЕ́НИЕ *с по гл.* **опа́сть — опада́ть; ~ листвы́** барглариннг тўкилиши.

ОПА́ЗДЫВАНИЕ *с по гл.* **опа́здывать; системати́ческое ~ на рабо́ту** ишга доимий (мунтазам) равишда кечикиш; **~ поездо́в** поездларнинг кечикиши.

ОПА́ЗДЫВАТЬ *несов. см.* **опозда́ть.**

ОПА́ИВАТЬ *несов. см.* **опои́ть.**

ОПА́К *м* 1 опак, оқ гил, чинни гил; 2 *собир.* опак (чинни гил) буюмлар.

ОПА́КОВ/ЫЙ, -ая, -ое опакка оид; опакдан (оқ гилдан) қилинган; **~ая кру́жка** опак кружка.

ОПА́Л *м* опал (безак буюмларига ишлатиладиган минерал).

ОПА́Л/А *ж* 1 подшоҳ ғазаби, подшоҳ ғазабига учраш; подшоҳ ғазабига учраб жазоланиш; **жить в ~е** подшоҳ ғазабига учраб қийноқда яшаш; 2 *перен.* ёмон кўриниш, ихлосини қайтариш; ёмон кўриниб қолиш.

ОПА́ЛИВАНИЕ *с по гл.* **опа́ливать; ~ ку́рицы** товуқни куйдириб тозалаш.

ОПА́ЛИВАТЬ *несов. см.* **опали́ть** 3.

ОПАЛИ́/ТЬ *сов. что* 1 (*несов.* **опаля́ть**) гир атрофини, четларини куйдирмоқ, куйдириб қорайтирмоқ; **~ть коне́ц па́лки** таёқ учини куйдирмоқ; 2 (*несов.* **опаля́ть**) куйдириб юбормоқ, қуруқшатмоқ, қовжиратмоқ; **ве́тер ~л мне лицо́** шамол юз-бетимни қуруқшатиб юборди; 3 (*несов.* **опа́ливать**) жунини (ёки патини) куйдирмоқ, куйдириб тозаламоқ; **~ть шку́ру** терини куйдириб тозаламоқ.

ОПАЛИ́ТЬСЯ *разг.* 1 бирор жойини куйдириб олмоқ, куйдириб қўймоқ; **~ у костра́** гулхан олдида бирор жойини куйдириб олмоқ; 2 *на кого уст.* бирор кимсадан ғазабланмоқ.

ОПА́ЛОВЫЙ, -ая, -ое 1 опалга оид; опалдан ясалган, опал...; **~ пе́рстень** опал кўзли узук; 2 опал ранг, оқ-сариш.

ОПА́ЛУБИТЬ, -блю, -бишь *сов. что тех.* 1 опалубка ясамоқ (бетон қуйиш учун); 2 опалубка билан ўрамоқ, қопламоқ.

ОПА́ЛУБКА *ж, р. мн.* **-бок** *тех.* 1 *по гл.* **опа́лубить; ~ зда́ния** бино устини (атрофини) опалубка териб (қоқиб) беркитиш; 2 опалубка (бетон қуйиш учун қолип); **металли́ческая ~** металл опалубка; 3 опалубка (бирор нарса атрофини ёки устини қоплаш учун терилган тахта, ёғоч ва ш. к.).

ОПА́ЛУБОЧНЫ/Й, -ая, -ое *тех.* 1 опалубкага оид, опалубка иши билан боғлиқ бўлган; опалубка...; **~е рабо́ты** опалубка ишлари; 2 опалубка учун ишлатиладиган, опалубкабоп; **~й лес** опалубкабоп тахта-ёғоч.

ОПА́ЛЫВАТЬ *несов. см.* **ополо́ть.**

ОПА́ЛЫ/Й, -ая, -ое 1 *прост.* озган, ориқлаган, ичига чўккан, ботган, киртайган; **~е ще́ки** ичига ботган бетлар; 2 *уст.* тўкилган, тўкилиб тушган; **~е ли́стья** тўкилган барглар.

ОПА́ЛЬНЫЙ, -ая, -ое подшоҳ ғазабига йўлиққан, подшоҳ даргоҳидан қувғин қилинган, қувғиндаги; **~ князь** подшоҳ ғазабига йўлиққан князь, қувғиндаги князь; **~ по́эт** қувғиндаги шоир.

ОПА́ЛЯТЬ *несов. см.* **опали́ть** 1, 2.

ОПАМЯ́Т/ОВАТЬСЯ, -туюсь, -туешься *сов.* 1 *уст.* ҳушига келмоқ, ўзига келмоқ; 2 *перен. разг.* ўйлаб кўриб фикридан (ниятидан, шахтидан ва ҳ. к.) қайтмоқ; ақли (эси) ўзига келмоқ; эс-ҳушини йиғиб (йиғиштириб) олмоқ; **~ уйся! Что ты де́лаешь!** нима қиляпсан, ахир! Ўйлаб қара!

ОПА́Р/А *ж* 1 хамиртуруш солинган хамир, кўпчиган (оширилган) хамир; **поста́вить ~у** хамир оширмоқ; **~а поднялась** хамир ошди; 2 хамиртуруш.

ОПА́РНИК *м* хамир оширадиган идиш, хамир тоғора.

ОПАРШИ́ВЕТЬ *сов. разг.* қўтир бўлмоқ, қирчанғи бўлмоқ; қўтир (қирчанғи) бўлиб қолмоқ, жуни тўкилмоқ, кал (тоз) бўлиб қолмоқ.

ОПАРШИ́ВИТЬ, -влю, -вишь *сов. прост.* қўтир қилмоқ, қўтир (тоз) касалини юқтирмоқ.

ОПАСА́/ТЬСЯ *несов.* 1 *кого-чего* қўрқмоқ, хавфсирамоқ, хавотирланмоқ, ташвишланмоқ; **его́ сле́дует ~ться** ундан қўрқиш лозим; **я вас о́чень ~юсь** мен сиздан (сиз учун) жуда ташвишланяпман; 2 *чего* кўрмоқ, эҳтиёт бўлмоқ, сақланмоқ; **~ться просту́ды** шамоллашдан қўрқмоқ; **~ться сквозняко́в** елвизакдан сақланмоқ, елвизакдан эҳтиёт бўлмоқ.

ОПАСЕ́НИ/Е *с* қўрқиш, хавфсираш, хавотирланиш, чўчиш, ҳадиксираш; ҳадик, хавф; **вызыва́ть ~я** қўрқитмоқ, хавотирга солмоқ; **испы́тывать ~я** қўрқмоқ, хавфсирамоқ, ҳадик олмоқ; **выража́ть ~е** хавотирлик билдирмоқ.

ОПА́СК/А *ж разг.* эҳтиёткорлик, хавотирланиш, хавфсираш; **с ~ой** ҳадиксираб, юрак ҳовучлаб, ҳадик олиб; **де́йствовать с ~ой** қўрқа-писа иш тутмоқ; **без ~и** қўрқмасдан, дадил.

ОПА́СЛИВО *нареч.* эҳтиётлик билан; қўрқиб, чўчиқираб, қўрқа-писа, юрак ҳовучлаб, юраги пўкиллаб, хавфсираб, ҳадиксираб, ҳадик олиб; **~ озира́ться по сторона́м** хавфсираб атрофга қарамоқ; юраги пўкиллаб атрофга аланглamоқ.

ОПА́СЛИВЫЙ, -ая, -ое 1 *разг.* хавфсировчи, ҳадиксировчи, чўчиқираган, хавфсирайверадиган, хавотирланувчи, юраксиз; **~ челове́к** хавфсирайверадиган киши; юраксиз одам; 2 қўрқишни (хавфсираганликни) ифодаловчи, қўрқувли; **~ взгляд** ҳадиксираб (хавфсираган куйи) қараш, қўрқувли қараш.

ОПА́СНО 1 *нареч.* хавф остида, хавф остига қўйиб, хавфли бир тарзда, хатарли, қўрқинчли, ёмон; **~ шути́ть** ёмон ҳазил қилмоқ; 2 *в знач. сказ.* оқибати ёмон бўлади, хавфли, хатарли, қўрқинчли; **э́то ~? бу хавфлими?; с ва́ми ~ спо́рить** сиз билан баҳслашиш хавфли.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ОПАСНОСТ/Ь *ж* 1 хавфлилик, хатарлилик; **~ь положе́ния** вазиятнинг (шароитнинг) хатарлилиги; 2 хавф-хатар, хавф, хатар, таҳлика, қўрқинч; **смерте́льная ~ь** ўлим хавфи; **быть в ~и** хавф-хатарда бўлмоқ; **подверга́ться ~и** хавф остида бўлмоқ; хавф-хатарда қолмоқ; **избежа́ть ~и** хавф-хатардан қутулмоқ; **смотре́ть ~и в глаза́** хавф-хатарга тик (қўрқмасдан, дадил) қарамоқ.

ОПА́СН/ЫЙ, -ая, -ое; -сен, -сна 1 хавфли, хатарли, таҳликали; **~ое ме́сто** хатарли (хавфли) жой; **~ое путеше́ствие** хатарли сафар; **~ые после́дствия** хатарли (ёмон) оқибатлар; 2 зиён-заҳмат етказадиган, зарарли, ёвуз, хавфли, қалтис, ёмон; **~ый враг** хавфли душман; **~ая тео́рия** зарарли назария; 3 хавфли, ҳалокатли, оғир; **~ое заболева́ние** хавфли касаллик, оғир касаллик.

ОПА/СТЬ, опадёт *сов.* (*несов.* **опада́ть**) 1 тўкилмоқ, тўкилиб кетмоқ, тўкилиб тушмоқ, битмоқ; **ли́стья уже́ ~ли** барглар тўкилиб бўлди; 2 тушиб кетмоқ, тушмоқ, пасаймоқ, қайтмоқ, кучсизланмоқ; **о́пуховль заме́тно ~ла** шиш сезиларли даражада қайтди.

ОПАХА́ЛО *с* катта елпиғич.

ОПАХА́ТЬ, опашу́, опа́шешь *сов.* (*несов.* **опа́хивать** I) *что* атрофини, тагини чопиб қўймоқ, ҳайдаб юмшатмоқ; **~ межу́** уват атрофини ҳайдаб қўймоқ.

ОПА́ХИВАТЬ I *несов. см.* **опахáть.**

ОПА́ХИВАТЬ II *несов. см.* **опахнýть.**

ОПАХНУ́/ТЬ *сов.* (*несов.* **опа́хивать** II) *кого-что разг.* 1 елпимоқ, қўримоқ; **~ть ве́ером** елпиғич билан қўримоқ; **~ть больно́го** беморни елпимоқ; 2 *безл.* елпимоқ, елпиб (сийпаб) ўтмоқ, урилмоқ, уфурмоқ; **его́ ~ло зно́ем** унинг юзига иссиқ урилди.

ОПЕ́К/А *ж* 1 васийлик; васийлик қилиш; **~а над сиро́тами** сағирларга васийлик; сағирларга васийлик қилиш; **учреди́ть ~у** *над кем-л.* бировга васий белгиламоқ, васийлар тайинламоқ; 2 *перен.* соя, паноҳ, паноҳгоҳлик; ғамхўрлик, мураббийлик, раҳнамолик; **под ~ой о́пытного наста́вника** тажрибали устоз мураббийлигида; **ме́лочная ~а** майда-чуйда ишларда ҳам мураббийлик қилиш, йўл-йўриқ кўрсатиб туриш; 3 васийлик қилувчи кишилар ёки ташкилот; **васи́йлар** ҳайъати, васийлар; ✦ **междунаро́дная ~а** халқаро васийлик (номустақил территорияни идора қилиш усули).

ОПЕКА́/ТЬ *несов. кого* 1 васийлик қилмоқ, васий бўлмоқ; **~ть сироту́** етимга (сағирга) васийлик қилмоқ; 2 *перен.* паноҳгоҳ бўлмоқ; ғамхўрлик қилмоқ, мураббийлик (раҳнамолик) қилмоқ; **старшекла́ссники ~ют мла́дших шко́льников** юқори синф ўқувчилари қуйи синф ўқувчиларига ғамхўрлик (мураббийлик) қиладилар.

ОПЕКУ́Н *м, р.* **-а́** васий.

ОПЕКУ́НСКИ/Й, -ая, -ое васийга, васийликка оид; васий...; васийлик...; **~е права́** васий ҳуқуқлари; васийлик ҳуқуқи; **~е обя́занности** васий бурчлари.

ОПЕКУ́НСТВО *с* васийлик; **учреди́ть ~ над кем-л.** бировга васийлик белгиламоқ (васийлар тайинламоқ); **взять на себя́ ~** васийликни ўз зиммасига олмоқ.

ОПЕКУ́НСТВОВАТЬ *несов.* 1 васийлик қилмоқ, васий бўлмоқ; 2 *перен.* ғамхўрлик қилмоқ, мураббийлик (раҳнамолик) қилмоқ.

ОПЕКУ́НША *ж см.* **опеку́н.**

ОПЁНОК *м, р.* **-нка, мн.** **опёнки** и *разг.* **опя́та** тўнка замбуруғи, тўнка (ёки) дарахт атрофида ўсадиган қўзиқорин.

О́ПЕР/А *ж* 1 опера; **коми́ческая ~а** кулгили (комик) опера; **~а Чайко́вского** Чайковский операси; **слу́шать ~у** опера(ни) эшитмоқ (тингламоқ); 2 опера театри; **пойти́ в ~у** операга тушмоқ, опера театрига бормоқ; ✦ **не из той (или из друго́й) ~ы** *шутл.* и *ирон.* бу бутунлай бошқа нарса, мавзуга алоқаси йўқ гап.

ОПЕРАТИ́ВКА *ж, р. мн.* **-вок** *прост.* қисқа оператив йиғилиш.

ОПЕРАТИ́ВНО *нареч.* оператив суратда, тезлик билан, дарҳол; **де́йствовать ~** тез ҳаракат қилмоқ, дарҳол ишга киришмоқ (чора кўрмоқ ва ҳ. к.).

ОПЕРАТИ́ВНОСТЬ *ж* оперативлик, ишчанлик, эпчиллик; **прояви́ть ~** оперативлик кўрсатмоқ.

ОПЕРАТИ́ВН/ЫЙ, -ая, -ое; -вен, -вна 1 *мед.* операцияга оид, операция қилиш билан боғлиқ бўлган; **операция...; ~ое вмеша́тельство** операция қилиш, операция йўли билан даволаш; 2 жанг ҳаракатларига оид; оператив, ҳарбий; **~ая сво́дка** оператив маълумот; 3 оператив, тез, ишчан, эпчил, амалий; **~ое руково́дство** оператив раҳбарлик, тезлик ва эпчиллик билан бошқариш (раҳбарлик қилиш); **~ые указа́ния** оператив (амалий) кўрсатмалар; 4 оператив, бевосита раҳбарлик қилувчи, амалга оширувчи; **~ый отде́л** оператив бўлим; **~ый штаб** оператив штаб.

ОПЕРА́ТОР *м* 1 оператор (мураккаб дастгоҳларни бошқарувчи ихтисосли ишчи); 2 *то же, что* **кинооперато́р**; 3 *уст.* оператор (операция қилувчи доктор, хирург).

ОПЕРА́ТОРСК/ИЙ, -ая, -ое операторга, операторликка оид; оператор...; операторлик...; **~ое иску́сство** операторлик санъати; **~ий пульт** оператор пульти.

ОПЕРАЦИО́НН/ЫЙ, -ая, -ое 1 *мед.* операцияга оид; операция...; **~ый зал** операция зали; 2 *в знач. сущ.* **~ая** *ж* операцияхона; 3 операцияга (ҳарбий ҳаракатларга) оид, операцион; операция...; **~ый план** операция плани; **~ая ка́рта** операцион карта.

ОПЕРА́ЦИ/Я *ж* 1 *мед.* операция; **~я аппендици́та** кўричак операцияси; **~я на се́рдце** юрак операцияси; 2 операция, ҳарбий ҳаракат; **деса́нтная ~я** десант (туширш) операцияси; **план ~и** операция плани; 3 *фин. эк.* операция, муомала; **ба́нковские ~и** банк операциялари; **страхово́ые ~и** суғурта операциялари; **торго́вые ~и** савдо операциялари (муомалалари); 4 операция (технологик процесс давомида бажариладиган ҳар бир айрим иш); **~я по шлифо́вке** силлиқлаш (сайқал бериш) операцияси; **отде́лочные ~и** пардозлаш операциялари; 5 *разг.* ҳар қандай иш; **производи́ть** *чем-л.* **сло́жные ~и** бирор нарса устида мураккаб ишларни бажармоқ.

ОПЕРЕДИ́/ТЬ, -ежу́, -еди́шь *сов.* (*несов.* **опережа́ть**) *кого-что* 1 қувиб ўзмоқ, ўзиб кетмоқ, илгари (олдин) ўтиб кетмоқ; **нас ~л велосипеди́ст** велосипедчи биздан ўзиб кетди; 2 олдинроқ қилмоқ, битирмоқ, олдинроқ бошламоқ; **жела́ющих вы́ступить бы́ло мно́го, но всех ~л мой това́рищ** сўзга чиқишни истаганлар кўп эди, лекин ҳаммадан бурун менинг дўстим гапирди; **~ть собы́тие** отни илгарироқ қамчиламоқ; воқеа юз бермасдан ҳаракат қилмоқ (ишни битирмоқ); 3 *перен.* ўтиб кетмоқ, орқада қолдирмоқ; **~ть свои́х това́рищей по кла́ссу по всем предме́там** ҳамма дарслар бўйича синфдошларидан ўтиб (ўзиб) кетмоқ.

ОПЕРЕЖА́ТЬ *несов. см.* **опереди́ть.**

ОПЕРЕЖЕ́НИЕ *с по гл.* **опереди́ть — опережа́ть; ~ в разви́тии** тараққиётда бошқаларга нисбатан илгарилаб кетиш.

ОПЕРЕ́НИЕ *с* пат; қуш патлари; **пёстрое ~** чипор патлар; ✦ **хвосто́вое ~ самолёта** самолётнинг дум қаноти.

ОПЕРЕ́ТКА *ж, р. мн.* **-ток** *разг. то же, что* **опере́тта.**

ОПЕРЕ́ТОЧН/ЫЙ, -ая, -ое 1 опереттага оид; оперетта...; **~ая тру́ппа** оперетта труппаси; 2 *перен.* опереттадагидек енгил, бачкана.

ОПЕРЕ́ТТ/А *ж* 1 оперетта; **~ы Ка́льмана** Кальман операттолари; 2 оперетта театри; **зда́ние ~ы** оперетта театрининг биноси.

ОПЕРЕ́ТЬ, обопру́, обопрёшь; опёр, -ерла́, -ёрло *сов.* (*несов.* **опира́ть**) *что* суямоқ, тирамоқ; суяб (тираб) қўймоқ; **ру́ки, опёртые на стол** столга тиралган қўллар; **~ кол о забо́р** деворга тираб қозиқ қоқмоқ.

ОПЕРЕ́ТЬСЯ, обопру́сь, обопрёшься; опёрся, -ерла́сь *сов.* (*несов.* **опира́ться**) 1 *на кого-что* и *обо что* суянмоқ, таянмоқ, тиранмоқ; **~ о сте́ну** деворга суянмоқ; **~ на па́лку** ҳассага суянмоқ, ҳасса таянмоқ; **~ локтя́ми** тирсакларига таянмоқ; **~ спино́й о де́рево** орқаси билан дарахтга суянмоқ; 2 *перен. на кого-что* суянмоқ, ишонмоқ, орқа қилмоқ; **ему́ не́ на кого ~** у суянадиган (ишонадиган) одам йўқ, унинг суянчиғи йўқ; 3 *перен. на что* асосланмоқ, суянмоқ, таянмоқ; **~ на фа́кты** фактларга асосланмоқ, фактларга суянмоқ, фактлар асосида иш кўрмоқ.

ОПЕРИ́РОВАНИЕ *с по гл.* **опери́ровать; ~ больно́го** беморни операция қилиш; **~ гры́жи даббани** (чуррани) опе-

www.ziyouz.com kutubxonasi

рация қилиш; дабба (чурра) операцияси; ~ **ци́фрами** рақамлар билан иш кўриш.

ОПЕРИ́РОВАТЬ 1 *сов.* и *несов. кого-что мед.* операция қилмоқ; ~ **ра́неного** ярадорни операция қилмоқ; ~ **желу́док** ошқозонни операция қилмоқ; 2 *несов.* уруш ҳаракатлари қилмоқ, жанг қилмоқ, ҳарбий операциялар олиб бормоқ; ~ **в тылу́ врага́** душман ичкарисида (орқасида) жанг ҳаракатлари олиб бормоқ; 3 *несов. чем* муомала қилмоқ, ишлатмоқ, фойдаланмоқ; ~ **фа́ктами** фактларни ишга солмоқ; фактлар билан иш кўрмоқ.

ОПЕРИ́ТЬ *сов.* (*несов.* **опери́ть**) *кого-что* пат билан безамоқ, пат тақмоқ, пат суқмоқ; укпар тақмоқ; ~ **стрелу́** ёй ўқига пат суқмоқ.

ОПЕРИ́/ТЬСЯ *сов.* (*несов.* **опери́ться**) 1 патланмоқ, пат чиқармоқ; **грача́та уже́ ~лись** ғўнғқарға болалари пат чиқарибди; 2 *перен. разг.* ўнгланмоқ, ўзини ўнглаб (тутиб) олмоқ, мустақил яшайдиган бўлмоқ, оёққа турмоқ; **он ещё не ~лся** у ҳали оёққа туриб олгани йўқ, у ҳали мустақил яшайдиган бўлгани йўқ.

ОПЕ́РН/ЫЙ, -ая, -ое 1 операга оид; опера...; ~**ая а́рия** опера арияси; ~**ый теа́тр** опера театри; 2 *перен.* операдагидек дабдабали, шукуҳли; ~**ые же́сты** шукуҳли ҳаракатлар; ~**ый тон** дабдабали оҳанг.

ОПЕРЯ́ТЬ *несов. см.* **опери́ть.**

ОПЕРЯ́ТЬСЯ *несов. см.* **опери́ться.**

ОПЕЧА́ЛЕНН/ЫЙ, -ая, -ое 1 *прич. от* **опеча́лить;** 2 *в знач. прил.* ғамгин, хафа, маъюс, маҳзун, дилабгор, дилшикаст; ~**ый вид** ғамгин кўриниш; **у него́ ~ое лицо́** унинг кўриниши ғамгин, у ғамгин (маъюс, хафа) кўринади.

ОПЕЧА́ЛИВАТЬ *несов. см.* **опеча́лить.**

ОПЕЧА́ЛИВАТЬСЯ *несов. см.* **опеча́литься.**

ОПЕЧА́ЛИТЬ *сов.* (*несов.* **опеча́ливать**) *кого* хафа (дилабгор, дилшикаст) қилмоқ, қайғуртирмоқ, қайғуга солмоқ, ғамга ботирмоқ; хафа қилиб (қайғуртириб) қўймоқ.

ОПЕЧА́ЛИ/ТЬСЯ *сов.* (*несов.* **опеча́ливаться**) хафа (дилабгор, дилшикаст) бўлмоқ, маъюсланмоқ, ғамга ботмоқ, қайғурмоқ; **он си́льно ~лся** у жуда хафа бўлди, у ғамга ботди; **её лицо́ ~лось** у маъюс бўлиб қолди.

ОПЕЧА́ТАТЬ *сов.* (*несов.* **опеча́тывать**) *что* печатламоқ, сурғучламоқ; печатлаб (сурғучлаб) қўймоқ; ~ **склад** омборни печатламоқ.

ОПЕЧА́Т/КА *ж, р. мн.* **-ток** теришда, босишда йўл қўйилган хато; матбаа хатоси; **спи́сок ~ок** матбаа хатолари рўйхати; **испра́вить ~ку** матбаа хатосини тузатмоқ.

ОПЕЧА́ТЫВАНИЕ *с по гл.* **опеча́тывать;** ~ **кварти́ры** квартирани печатлаш.

ОПЕЧА́ТЫВАТЬ *несов. см.* **опеча́тать.**

ОПЕ́ШИТЬ *сов. разг.* шошиб қолмоқ, довдираб (эсанкираб) қолмоқ, саросимага тушмоқ, ҳанг-манг бўлмоқ.

ОПИВА́ТЬ *несов. см.* **опи́ть.**

ОПИВА́ТЬСЯ *несов. см.* **опи́ться.**

ОПИ́ВКИ *мн., р.* **-вок** *разг.* ичимлик қолдиғи, ичимликнинг қолган-қутгани; ~ **ча́я** чой қолдиғи; **вы́плеснуть ~** қолган ичимликни тўкиб ташламоқ.

ОПИ́/Й *м* афюн, опиум, таряк (кўкнор шираси ва ундан тайёрланган қорадори); **сбор ~я** кўкнор ширасини йиғиш.

ОПИЙН/ЫЙ, -ая, -ое афюнга оид; афюндан, кўкнор ширасидан тайёрланган; афюн...; кўкнор...; ~**ый мак** кўкнор ўсимлиги; кўкнор; ~**ая насто́йка** афюн настойкаси.

ОПИ́ЛИВАНИЕ *с по гл.* **опи́ливать;** ~ **су́чьев** бутоқларни арралаб ташлаш.

ОПИ́ЛИВАТЬ *несов. см.* **опили́ть.**

ОПИЛИ́ТЬ, -илю́, -и́лишь *сов.* (*несов.* **опи́ливать**) *что* 1 арраламоқ, арралаб кесмоқ, бўлмоқ, қисқартирмоқ; арралаб ташламоқ; ~ **до́ску** тахта арраламоқ, тахтани арралаб кесмоқ; 2 эговламоқ, эговлаб ишлов бермоқ, текисламоқ; эговлаб ташламоқ; ~ **заусе́нцы** арайишларни эговлаб ташламоқ.

ОПИ́ЛКА *ж спец. по гл.* **опили́ть — опи́ливать;** ~ **бревна́** ходани арралаш.

ОПИ́ЛКИ *мн., р.* **-лок** қипиқ; қиринди; **древе́сные ~** ёғоч қипиғи; **желе́зные ~** темир қириндиси.

ОПИЛО́ВКА *ж спец. то же, что* **опи́лка.**

ОПИЛО́ВОЧНЫ/Й, -ая, -ое 1 арралаш (ёки эговлаш) билан боғлиқ бўлган; арралаш...; эговлаш...; ~**е рабо́ты** арралаш (ёки эговлаш) ишлари; 2 арралайдиган, эговлайдиган; арралаш..., эговлаш...; ~**й стано́к** арралаш (ёки эговлаш) станоги.

ОПИРА́ТЬ *несов. см.* **опере́ть.**

ОПИРА́/ТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **опере́ться;** 2 *на что* суянмоқ, таянмоқ, тиралиб (таяниб) турмоқ; **перекры́тие ~ется на сте́ны** том деворларга таяниб туради; томни деворлар кўтариб туради.

ОПИСА́НИ/Е *с* 1 *по гл.* **описа́ть** 1, 2; 2 тавсиф, таъриф, тасвир, баён; **кра́сочное ~е** ёркин тасвир; ранг-баранг тасвир; **узна́ть** *кого-л.* **по ~ю** кимсани тавсифига кўра (тавсифидан) танимоқ.

ОПИ́САННЫЙ, -ая, -ое 1 *прич. от* **описа́ть;** 2 *в знач. прил. мат.* ташқи чизилган.

ОПИСА́ТЕЛЬНЫЙ, -ая, -ое тавсифдангина иборат бўлган, тавсиф билан чекланган, тасвирий, тавсифий, тавсифли.

ОПИСА́ТЬ, -ишу́, -и́шешь *сов.* (*несов.* **опи́сывать**) 1 *кого-что* тавсифламоқ, тасвирламоқ, таърифламоқ; тавсифлаб (тасвирлаб, таърифлаб) бермоқ; ~ **экску́рсию** экскурсияни тавсифламоқ; ~ **вне́шность** ташқи кўринишини (қиёфасини) тавсифлаб бермоқ; 2 *что* илмий тавсифини бермоқ, тавсифламоқ, тушунтирмоқ, баён қилмоқ; ~ **го́вор** лаҳжани тавсифламоқ; ~ **колле́кцию** коллекцияни тавсифламоқ; 3 *что* рўйхатга олмоқ, рўйхатини тузмоқ; ~ **инвента́рь** инвентарни рўйхатга олмоқ; 4 *что юр.* хатламоқ, хатлаб кетмоқ; ~ **иму́щество** мол-мулкини хатламоқ (хатлаб кетмоқ); 5 *что мат.* ташқи фигура чизмоқ (ясамоқ); ~ **окру́жность** ташқи айлана чизмоқ; 6 *что* ўз ҳаракатида бирор эгри чизиқ (траектория) чизмоқ; **самолёт описа́л пе́тлю** самолёт сиртмоқ ясаб учди.

ОПИСА́ТЬСЯ, -ишу́сь, -и́шешься *сов.* хато ёзмоқ; нотўғри ёзиб қўймоқ, ёзувда хато қилмоқ, хатога йўл қўймоқ.

ОПИ́СКА *ж, р. мн.* **-сок** ёзувдаги (ёзувда йўл қўйилган) хато; ~ **в сочине́нии** иншода йўл қўйилган хато.

ОПИ́СЫВАТЬ *несов. см.* **описа́ть.**

ОПИСЬ *ж* 1 *по гл.* **описа́ть** 3, 4; ~ **скота́** чорва молларни рўйхатга олиш; ~ **иму́щества** мол-мулкни хатлаш; 2 рўйхат; **архи́вная ~** архив рўйхати; **инвента́рная ~** инвентар рўйхати; **соста́вить ~** рўйхат тузмоқ.

ОПИ́ТЬ, обопью́, обопьёшь *сов.* (*несов.* **опива́ть**) *кого прост.* бировнинг ҳисобига кўп ичмоқ, кўп ичиб уни абгор қилмоқ.

ОПИ́ТЬСЯ, обопью́сь, обопьёшься *сов.* (*несов.* **опива́ться**) *разг.* кўп ичмоқ, ҳаддан ортиқ ичиб қўймоқ; ичаверіб шикаст орттирмоқ.

ОПИУМ *м* 1 *то же, что* **о́пий;** **кури́льщик ~а** қорадори чекувчи, қорадорихўр; 2 *перен.* афюн; заҳар; **рели́гия — ~ для наро́да** дин халқ учун афюндир.

ОПИУМНЫЙ, -ая, -ое афюнга оид; афюн...; ~ **мак** кўкнор, кўкнор ўсимлиги.

ОПЛА́ВИТЬ, -влю, -вишь *сов.* (*несов.* **оплавля́ть**) *что тех.* 1 сиртини эритмоқ, атрофини эритиб қўймоқ, эритиб юбормоқ; ~ **кирпи́ч** ғишт сиртини (атрофини) эритиб юбормоқ; 2 эритиб тозаламоқ; ажратмоқ; ~ **железня́к** темиртошни эритиб, ундан темир ажратиб олмоқ.

ОПЛА́ВИ/ТЬСЯ, -ится *сов.* (*несов.* **оплавля́ться**) *тех.* сирти, атрофи эриб кетмоқ; **стекло́ ~лось** шишанинг сирти (атрофи) эриб кетди.

ОПЛАВЛЯ́ТЬ *несов. см.* **опла́вить.**

ОПЛАВЛЯ́ТЬСЯ, -я́ется *несов.* 1 *см.* **опла́виться;** 2 *страд. от* **оплавля́ть.**

ОПЛА́КАТЬ, -а́чу, -а́чешь *сов.* (*несов.* **опла́кивать**) *кого-что* аза тутиб йиғламоқ, кўз ёши тўкмоқ; ~ **ги́бель дру́га** дўстининг ҳалокати учун йиғламоқ, ҳалок бўлган дўсти учун аза тутмоқ, кўз ёши тўкмоқ.

ОПЛА́КИВАТЬ *несов. см.* **опла́кать.**

ОПЛА́ТА *ж* 1 *по гл.* **оплати́ть;** ~ **почто́вых расхо́дов** почта харажатларини тўлаш; ~ **счето́в** счётлар бўйича пул тўлаш; 2 тўланадиган, олинадиган пул, ҳақ, тўлов; **вы́со́кая ~** кўп ҳақ; баланд (катта) тўлов; **ни́зкая ~** оз ҳақ; **подённая ~** кунбай тўланадиган (олинадиган) ҳақ; кунбай

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳақ тўлаш; **сде́льная** ~ меҳнатга қараб тўланадиган (олинадиган) ҳақ, меҳнатга қараб ҳақ тўлаш.

ОПЛАТИ́ТЬ, -ачу́, -а́тишь *сов.* (*несов.* **опла́чивать**) *кого-что* тўламоқ, ҳақ (харажат, солиқ ва ҳ. к. учун пул) тўламоқ; ~ **долг** қарзни тўламоқ; ~ **поку́пку** харид учун пул тўламоқ; ~ **труд носи́льщика** ҳаммолга меҳнат ҳақи тўламоқ.

ОПЛА́ЧИВАТЬ *несов. см.* **оплати́ть.**

ОПЛЕВА́ТЬ *сов.* (*несов.* **оплёвывать**) *кого-что* 1 *разг.* тупурмоқ, ҳамма ёққа тупуриб ташламоқ; 2 *перен. прост.* тупурмоқ, ноҳақ ёмонламоқ, ёмонга чиқариб қўймоқ, камситмоқ, ерга урмоқ; ~ **хоро́шего рабо́тника** яхши ходимни ёмонга чиқармоқ; ✦ **как оплёванный** ноҳақ таҳқирланган, ўринсиз (асоссиз) камситилган киши ҳақида.

ОПЛЁВЫВАТЬ *несов. см.* **оплева́ть.**

ОПЛЕСКА́ТЬ *сов.* (*несов.* **оплёскивать**) *кого-что разг.* устидан сепмоқ, пуркамоқ; ~ **цветы́** гулларга сув сепмоқ, гулларга сув пуркамоқ.

ОПЛЁСКИВАТЬ *несов. см.* **оплеска́ть.**

ОПЛЕСНУ́ТЬ *сов.* и *однокр. см.* **оплеска́ть.**

ОПЛЕСТИ́, -лету́, -летёшь; -ёл, -ела́ *сов.* (*несов.* **оплета́ть**) 1 *что* тўқиб атрофини ўрамоқ, тўқиб ичини тўлдирмоқ, атрофига тўқиб чиқмоқ, тўқиб ташламоқ; ~ **буты́ль соло́мой** бутилка атрофига похол четан тўқимоқ, бутилка атрофини похол четан тўқиб ўрамоқ; ~ **забо́р про́волокой** деворга (говга) сим тўқиб ташламоқ; 2 *что* ўраб олмоқ, қамраб олмоқ; **виногра́д оплёл терра́су** айвонни ток ўраб олди; 3 *перен. кого прост.* алдамоқ, фириб бермоқ, чув тушириб кетмоқ.

ОПЛЕТА́ТЬ *несов. см.* **оплести́.**

ОПЛЁТКА *ж, р. мн.* **-ток** 1 *по гл.* **оплести́ — оплета́ть** 1, 2; ~ **ка́беля** кабелнинг сиртини тўр тўқиб ўраш; 2 ўраб турадиган тўқима, тўқилган ўрама (тўр, четан ва ҳ. к.).

ОПЛЕУХА *ж разг.* 1 тарсаки, шапалоқ; **закати́ть** ~**у** тарсаки тортиб юбормоқ, шапалоқ билан туширмоқ, тарсаки (шапалоқ) солмоқ; 2 *перен.* тарсаки, дакки, ҳақорат, таҳқирлаш.

ОПЛЕШИВЕТЬ *сов. разг.* кал бўлмоқ, сочи (юнги) тўкилиб кетмоқ; ялтир бош (тоз) бўлиб қолмоқ; қирчанғи бўлиб қолмоқ.

ОПЛОДОТВОРЕ́НИЕ *с по гл.* **оплодотвори́ть; роль пчёл в ~и расте́ний** ўсимликларни уруғлантиришда асалариларнинг роли; ~**е умо́в прогресси́вными иде́ями** кишилар онгига прогрессив ғояларни сингдириш.

ОПЛОДОТВОРИ́ТЬ *сов.* (*несов.* **оплодотворя́ть**) 1 *кого биол.* уруғламоқ, оталантирмоқ; ҳомиладор қилмоқ; 2 *перен. что* ижодий куч, ғайрат бағишламоқ, маҳсулдор (самарадор, унумли) қилмоқ, унинг учун шароит яратмоқ, сингдирмоқ, бойитмоқ; ~ **расска́з но́вой мы́слью** ҳикояни янги фикр билан бойитмоқ.

ОПЛОДОТВОРИ́ТЬСЯ *сов.* (*несов.* **оплодотворя́ться**) *биол.* уруғланмоқ, оталанмоқ; ҳомиладор бўлмоқ.

ОПЛОДОТВОРЯ́ТЬ *несов. см.* **оплодотвори́ть.**

ОПЛОДОТВОРЯ́ТЬСЯ, -я́ется *несов.* 1 *см.* **оплодотвори́ться;** 2 *страд. от* **оплодотворя́ть.**

ОПЛОМБИРОВА́ТЬ, -ру́ю, -ру́ешь *сов.* (*несов.* **пломбирова́ть**) *что* пломбаламоқ, пломба босмоқ, печатламоқ; ~ **ваго́н** вагонни пломбаламоқ.

ОПЛОТ *м* таянч, суянч, таянчиқ, суянчиқ, ҳомий, муҳофазачи; **Сове́тский Сою́з — ~ ми́ра** Совет Иттифоқи тинчлик таянчидир.

ОПЛОША́ТЬ *сов.* (*несов.* **плоша́ть**) *разг.* хатога йўл қўймоқ, хато қилмоқ; янглишмоқ, адашмоқ, хато (нотўғри) иш қилиб қўймоқ; **смотри́, не ~й!** эҳтиёт (ҳушёр) бўл, хато қилиб қўйма!

ОПЛОШНОСТЬ *ж* хато иш, хатолик, хато; **допусти́ть ~** хатога йўл қўймоқ, хато иш қилиб қўймоқ; **испра́вить свою́ ~** ўз хатосини тузатмоқ.

ОПЛЫВА́ТЬ I *несов. см.* **оплы́ть I.**

ОПЛЫВА́ТЬ II *несов. см.* **оплы́ть II.**

ОПЛЫ́ТЬ I, -ыву́, -ывёшь *сов.* (*несов.* **оплыва́ть I**) *кого-что* ёнидан (четлаб) сузиб ўтмоқ, сузиб айланиб чиқмоқ; теварагини айланиб сузмоқ; ~ **о́стров** орол атрофини айланиб сузиб чиқмоқ, орол атрофидан айланиб сузиб ўтмоқ.

ОПЛЫ́ТЬ II, -ыву́, -ывёшь *сов.* (*несов.* **оплыва́ть II**) 1 усти (сирти) эримоқ, эриб тушмоқ, эриб оқиб тушмоқ; **свеча́ ~ла́** шам эриб оқиб тушди; 2 ёғ босмоқ, семириб гумбаз бўлиб кетмоқ; кепчикдай семирмоқ; 3 **ювилмоқ**, ювилиб кетмоқ, ювилиб ўпирилмоқ; **от ли́вней бе́рег ~л** жалалардан қирғоқ ювилиб кетди.

ОПОВЕСТИ́ТЬ, -ещу́, -ести́шь *сов.* (*несов.* **оповеща́ть**) *кого-что* хабар (хабардор) қилмоқ, огоҳ қилмоқ, эълон қилмоқ; билдирмоқ, билдириб қўймоқ; ~ **рабо́чих о собра́нии** ишчиларни мажлисдан (мажлис бўлиши ҳақида) хабардор қилиб қўймоқ.

ОПОВЕЩА́ТЬ *несов. см.* **оповести́ть.**

ОПОВЕЩЕ́НИЕ *с* 1 *по гл.* **оповести́ть; ~е чле́нов организа́ции о суббо́тнике** ташкилот аъзоларига шанбалик ҳақида билдириб қўйиш; **ста́нция ~я** *радио* ахборот (хабар қилиш) станцияси; 2 хабар, ахборот, эълон, билдириш; **помести́ть ~е в газе́те** хабарни (эълонни) газетада босмоқ (чиқармоқ); **посла́ть ~е с курье́ром** чопар билан хабар юбормоқ.

ОПОГА́НИВАТЬ *несов. см.* **опога́нить.**

ОПОГА́НИВАТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **опога́ниться;** 2 *страд. от* **опога́нивать.**

ОПОГА́НИТЬ *сов.* (*несов.* **опога́нивать**) *что разг.* ифлос қилмоқ, булғамоқ.

ОПОГА́НИТЬСЯ *сов.* (*несов.* **опога́ниваться**) *разг.* ифлос бўлмоқ, булғанмоқ.

ОПОДЛЕ́ТЬ *сов.* (*несов.* **подле́ть**) *разг.* разиллашмоқ, қабиҳлашмоқ.

ОПО́ЕК *м, р.* **опо́йка** 1 *обл.* эмадиган бузоқ, бузоқча; 2 *спец.* унука (бузоқ терисидан ишланган чарм).

ОПО́ЕЧНЫЙ, -ая, -ое унукага оид, унука теридан қилинган; унука...; ~**е сапоги́** унука этик.

ОПО́ЗДАЛЫЙ, -ая, -ое *уст.* кечиккан, кеч қолган, кечроқ (вақт ўтгандан кейин) бўлган, қилинган.

ОПО́ЗДАНИЕ *с* кечикиш, кеч (кечикиб) қолиш, ҳаялламаш; ~ **на рабо́ту** ишга кечикиш; **прийти́ с ~м** кечикиб келмоқ; **собра́ние начало́сь с ~м на 10 мину́т** мажлис 10 минут кечикиб бошланди.

ОПО́ЗДА́ТЬ *сов.* (*несов.* **опа́здывать**) 1 кечикмоқ, кеч (кечикиб) қолмоқ, ҳаялламоқ; кеч (кечикиб) келмоқ; **по́езд ~л на час** поезд бир соат кеч келди, поезд бир соат кечикди; **я ~л на по́езд** мен поездга кечикиб қолдим (етолмадим); 2 кечикмоқ, кеч қолмоқ, вақтини (муддатини) ўтказиб юбормоқ, вақтида бажармаслик; ~**ть с отчётом** ҳисобот беришда кеч қолмоқ, ҳисоботни кеч бермоқ.

ОПОЗНАВА́НИЕ *с по гл.* **опознава́ть; ~ по приме́там** белги-нишонларига қараб таниш.

ОПОЗНАВА́ТЕЛЬНЫЙ, -ая, -ое танитадиган, танитувчи; танин (таниб олиш, фарқлаш) учун хизмат қиладиган; таниқлик...; ~**й знак** танитадиган (танитувчи) белги, таниқлик белгиси; ~**е огни́** таниқлик (таниш) чироқлари.

ОПОЗНАВА́ТЬ *несов. см.* **опозна́ть.**

ОПОЗНА́НИЕ *с по гл.* **опозна́ть; ~ ли́чности** шахсни (кимлигини) таниш; ~ **престу́пника** жиноятчини таниш.

ОПОЗНА́ТЬ *сов.* (*несов.* **опознава́ть**) *кого-что* танимоқ, таниб олмоқ; ~ **престу́пника** жиноятчини танимоқ; ~ **вра́жеский самолёт** душман самолётини танимоқ.

ОПОЗО́РИТЬ *сов. кого-что* шарманда (шармисор) қилмоқ, уялтириб қўймоқ, бадном қилмоқ, иснод келтирмоқ, номига доғ туширмоқ, изза қилмоқ; ~ *чьё-л.* **до́брое и́мя** кимсанинг яхши номини булғамоқ, номига доғ туширмоқ.

ОПОЗО́РИТЬСЯ *сов.* шарманда бўлмоқ, иснодга (уятга) қолмоқ, бадном бўлмоқ, ўз номини булғамоқ, изза бўлиб қолмоқ; ~ **пе́ред това́рищами** ўртоқлари олдида шарманда бўлмоқ, ўртоқлари олдида изза бўлиб қолмоқ.

ОПОИ́ТЬ, -ою́, -ои́шь *сов.* (*несов.* **опа́ивать**) *кого* 1 ҳаддан кўп ичирмоқ; ортиқча (кўп) сув бериб қўймоқ, ортиқча ичириб (сув бериб, суғориб) касал (ёки ҳалок) қилмоқ; ~ **ло́шадь** отни кўп сув бериб касал (ёки ҳалок) қилиб қўймоқ; 2 ортиқча ичимлик ичирмоқ, кўп ичкизиб маст қилмоқ; 3 *уст.* **заҳар ичирмоқ, заҳар бермоқ, заҳарламоқ.**

www.ziyouz.com kutubxonasi

ОПОЙ *м вет.* терлаб (қизиб) турган отни суғориш натижасидаги бод касаллиги.

ОПОЙКОВЫЙ, -ая, -ое *то же, что* **опо́ечный.**

ОПОК/А *ж* 1 *тех.* опока (қуймачиликда: қолип яшиги); **литьё в ~у** опокада қолип тайёрлаб буюм қуйиш; 2 *геол.* кремнезёмга бой тоғ жинси.

ОПОЛАСКИВАНИЕ *с по гл.* **ополáскивать; ~ посýды** идишларни чайиш.

ОПОЛАСКИВАТЬ *несов. см.* **ополоснýть и ополоскáть.**

ОПОЛАСКИВАТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **ополоснýться;** 2 *страд. от* **ополáскивать.**

ОПОЛЗАТЬ I *несов. см.* **ползти́** I.

ОПОЛЗАТЬ II, -áет *несов. см.* **ползти́** II.

ОПОЛЗ/ЕНЬ *м, р.* **-зня** ўпирилиш, силжиш, кўчиш; **береговы́е ~ни** қирғоқлардаги ўпирилиш; қирғоқларнинг ўпирилиши (силжиши); **борьба́ с ~нями** ўпирилишларга (силжишларга) қарши кураш, ўпирилишларнинг (силжишларнинг) олдини олиш.

ОПОЛЗНЕВ/ЫЙ, -ая, -ое ўпирилишга, силжишга оид; ўпирилиб тушган, силжиган; ўпирилиш...; силжиш...; **~ый проце́сс** ўпирилиш (силжиш) жараёни; **~ые ма́ссы** ўпирилиб тушган масса.

ОПОЛЗТИ́ I, -зу́, -зёшь; -о́лз, -олзла́ *сов. (несов.* **ополза́ть** I) *кого-что* эмаклаб (ўрмалаб) атрофини айланиб чиқмоқ, эмаклаб (ўрмалаб) айланиб ўтмоқ; **~ ко́чку** дўнгликни ўрмалаб (эмаклаб) айланиб ўтмоқ.

ОПОЛЗ/ТИ́ II, -зёт; -о́лз, -олзла́ *сов. (несов.* **ополза́ть** II) ўпирилмоқ, ўпирилиб тушмоқ, силжимоқ; **склон овра́га ~** жарликнинг қирғоғи (ёнбағри) ўпирилиб тушди.

ОПОЛОСКАТЬ, -ощу́, -о́щешь *сов. что разг. то же, что* **ополоснýть.**

ОПОЛОСНУ́ТЬ *сов. (несов.* **ополáскивать**) *что* чаймоқ, чайқамоқ, чайиб олмоқ, чайиб ташламоқ, чайиб тозаламоқ, ювмоқ; **~ посу́ду** идишни чаймоқ; **~ ру́ки под кра́ном** кран остида қўлни чайиб олмоқ.

ОПОЛОСНУ́ТЬСЯ *сов. (несов.* **ополáскиваться**) *разг.* енгил-елпи ювинмоқ; енгил-елпи чўмилмоқ, чайинмоқ, чайиниб олмоқ; **~ холо́дной водо́й** совуқ сувда чайиниб олмоқ.

ОПОЛО́ТЬ, -олю́, -о́лешь *сов. (несов.* **опа́лывать**) теварак-атрофини, тагини ўтамоқ, ўтаб (ўтоқ қилиб) қўймоқ; **~ расте́ние** ўсимлик атрофини ўтаб қўймоқ.

ОПОЛОУ́МЕТЬ *сов. прост.* эси яримта (тентак, телба) бўлиб қолмоқ, ақл-ҳушини йўқотмоқ, миясини еб қўймоқ; **~ от го́ря** ғам-аламдан ақл-ҳушини йўқотмоқ.

ОПОЛЧА́ТЬ *несов. см.* **ополчи́ть.**

ОПОЛЧА́ТЬСЯ *несов. см.* **ополчи́ться.**

ОПОЛЧЕ́НЕЦ *м, р.* **-нца** ополченец, кўнгилли аскар, халқ лашкари жангчиси, кўнгилли қўшин аскари.

ОПОЛЧЕ́НИЕ *с* ополчение, черик, кўнгиллилар қўшини, лашкар; **наро́дное ~** халқ лашкари.

ОПОЛЧЕ́НКА *ж, р. мн.* **-нок** *см.* **ополче́нец.**

ОПОЛЧЕ́НСКИ/Й, -ая, -ое ополченецга, халқ лашкарига оид, тааллуқли; кўнгиллилардан ташкил топган; **~е ча́сти** халқ лашкари қисмлари.

ОПОЛЧИ́ТЬ *сов. (несов.* **ополча́ть**) 1 *кого уст.* қуроллантирмоқ, қуроллантириб кўнгилли қўшин ташкил қилмоқ, уюштирмоқ; 2 *перен. кого на кого разг.* гиж-гижламоқ, шихангламоқ, оёқлантирмоқ, қарши қўймоқ, душман қилиб қўймоқ.

ОПОЛЧИ́/ТЬСЯ *сов. (несов.* **ополча́ться**) 1 *уст.* қуролланмоқ, қуролланиб кўнгилли қўшинга уюшмоқ, бирлашмоқ, кўнгилли қўшин ташкил этмоқ; 2 бировга қарши урушиш учун отланмоқ, ёпирилиб, бостириб бормоқ (келмоқ, кирмоқ); 3 *перен.* бировга қарши шихангланмоқ, оёқланмоқ, тиш қайрамоқ; қарши курашмоқ; **что вы на него́ ~лись?** сиз унга нега мунча қарши бўлиб қолдингиз?; **~ться про́тив недоста́тков** камчиликларга қарши курашмоқ.

ОПОМНИ/ТЬСЯ *сов.* 1 ўзига келмоқ, ҳушига келмоқ; **больно́й ~лся** бемор ҳушига келди; 2 эс-ҳушини йиғиб олмоқ, ўзини тутиб олмоқ; **он от ра́дости не мог ~ться** у шодлигидан эс-ҳушини йўқотиб қўйди, хурсандлигидан нима қилишини билмай қолди; 3 ақли ўзига келмоқ, ўйлаб кўриб (ақли ўзига келиб, хатосини тушуниб) қайтмоқ, эс-ҳушини йиғиб олмоқ; **~сь, что ты де́лаешь!** нима қиляпсан ўзинг, ўйлаб қара!; **пора́ бы тебе́ ~ться!** эс-ҳушингни йиғиб олсанг бўлар эди!

ОПОР *м:* **во весь ~** (мча́ться, лете́ть, нести́сь, скака́ть и т. п.) жон борича (бор кучи билан) чопмоқ, югурмоқ; **[Партиза́ны] во весь ~ помча́лись к ле́су** (Фадеев) [Партизанлар] жон борича от қўйиб (елдириб) ўрмон томон йўл олдилар.

ОПО́Р/А *ж* 1 тиргович, тиргак, тирак, таянч, суянчиқ; **~а для виногра́дных лоз** ток тирговичлари (ишком, сўри); **но́ги скользи́ли, не находя́ ~ы** ер сиргончиқлигидан оёқлар тойиб кетарди: 2 *перен.* асос, негиз; **найти́ ~у в фа́ктах для свои́х утвержде́ний** ўз даъволари учун фактлардан асос топмоқ; **~а тео́рии** назария асоси; назарияга асос бўлган (назариянинг негизини ташкил қилган) нарса; 3 *тех.* таянч, таянчиқ, пой; **~ы моста́** кўприк таянчлари; **то́чка ~ы** *физ.* таянч нуқтаси; 4 *перен.* таянч, суянчиқ, қўллаб-қувватлайдиган (суянадиган) куч; **у него́ есть надёжная ~а** унинг ишончли суянчиғи бор; **сын — его́ еди́нственная ~а** унинг бирдан-бир суянчиғи — ўғли; **молодёжь — про́чная ~а на́шей па́ртии** ёшлар партиямизнинг ишончли таянчидир.

ОПОРА́ЖНИВАТЬ *несов. см.* **опорожни́ть.**

ОПОРА́ЖНИВАТЬСЯ, -ается *несов.* 1 *см.* **опорожни́ться;** 2 *страд. от* **опора́жнивать.**

ОПО́РК/И *мн. (ед.* **опо́рок** *м*) эски этик, йиртиқ-сиртиқ оёқ кийими; **ходи́ть в ~ах** йиртиқ-сиртиқ оёқ кийимида юрмоқ.

ОПО́РН/ЫЙ, -ая, -ое тутиб (кўтариб) турадиган; тутиб (кўтариб) турувчи, таяниш учун хизмат қиладиган; таянч...; **~ый столб** тутиб (кўтариб) турадиган устун; **~ая ба́лка** тутиб (кўтариб) турадиган тўсин; **~ая плита́** таянч плитаси; **~ая то́чка** *физ. тех.* таянч нуқтаси; **~ая ба́за** таянч базаси; **~ый пункт** таянч пункти.

ОПОРОЖНИ́ТЬ *сов. (несов.* **опора́жнивать** и **опорожня́ть**) *что* бўшатмоқ, холи қилмоқ; **~ кувши́н** кўзани бўшатмоқ.

ОПОРОЖНИ́/ТЬСЯ, -и́тся *сов. (несов.* **опора́жниваться** и **опорожня́ться**) бўшамоқ, бўшалмоқ, холи бўлмоқ; **корзи́на ~лась** сават бўшади, саватнинг ичида ҳеч нарса қолмади.

ОПОРОЖНЯ́ТЬ *несов. см.* **опорожни́ть.** ■

ОПОРОЖНЯ́ТЬСЯ, -я́ется *несов.* 1 *см.* **опорожни́ться;** 2 *страд. от* **опорожня́ть.**

ОПОРО́С *м* болалаш, туғиш (чўчқа ҳақида).

ОПОРОСИ́ТЬСЯ, -и́тся *сов.* болаламоқ, туғмоқ (чўчқа ҳақида).

ОПОРО́ЧИВАТЬ *несов. см.* **опоро́чить.**

ОПОРО́ЧИ/ТЬ *сов. (несов.* **опоро́чивать**) *кого-что* бадном қилмоқ, иснод келтирмоқ, қораламоқ, ёмонламоқ, ёмонга чиқармоқ; **~ть** *чьё-л.* **до́брое и́мя** бировнинг яхши номини ёмонга чиқармоқ; **~ть иде́ю** ғояни ёмонламоқ, ёмонга чиқармоқ.

ОПОСРЕ́ДСТВОВАНИЕ *с филос. по гл.* **опосре́дствовать.**

ОПОСРЕ́ДСТВОВАНН/ЫЙ, -ая, -ое *филос.* 1 *прич. от* **опосре́дствовать; зна́ние, ~ое о́пытом** тажрибада (тажриба орқали) кўринган билим; 2 *в знач. прил.* бавосита ифодаланган, воситали равишда (бирор восита орқали) намоён бўлган, кўринган, зуҳур этган; **~ое позна́ние действи́тельности** борлиқни бавосита билиш.

ОПОСРЕ́ДСТВОВАТЬ *сов.* и *несов. что филос.* бавосита ифодаламоқ, бирор нарса воситасида (орқали) намоён қилмоқ, кўрсатмоқ, восита бўлиб хизмат қилмоқ.

ОПОССУ́М *м* опоссум (Америкада яшайдиган қопчиқли каламуш).

ОПОСТЫЛЕ/ТЬ *сов. разг.* кўнгилга урмоқ, жонга (меъдага) тегмоқ; бездирмоқ, безор қилмоқ, зериктирмоқ; **однообра́зие ~ло** бир хиллилик кўнгилга урди, бир хиллик (бир зайлдалик) жонга, меъдага тегди, бир хилликдан одам безор бўлди.

ОПОХМЕЛИ́ТЬСЯ *сов. (несов.* **опохмеля́ться**) *разг.* хумор бости қилмоқ, бошоғриғи учун яна бир оз ичмоқ.

ОПОХМЕЛЯ́ТЬСЯ *несов. см.* **опохмели́ться.**

www.ziyouz.com kutubxonasi

ОПОЧИВАЛЬНЯ *ж, р. мн.* **-лен** хобхона, ётоқ, ётоқхона (зодагонлар уйида); **ца́рская ~** подшонинг хобхонаси; шоҳона ётоқ.

ОПОЧИВА́ТЬ *несов. уст.* и *шутл.* ухламоқ, ухлаб ётмоқ; **вы всё ещё изво́лите ~?** (ўзлари) ҳалиям ухлаб ётибдиларми?

ОПОЧИ́ТЬ, -и́ю, -и́ешь *сов. высок. уст.* 1 ухлаб қолмоқ, уйқуга кетмоқ; 2 *перен.* дунёдан кўз юммоқ, у дунёга кетмоқ, ўлмоқ.

ОПОШЛЕ́ТЬ *сов. разг.* бузилмоқ, расво бўлмоқ, расвоси чиқмоқ, сийқалашмоқ, разиллашмоқ.

ОПО́ШЛИТЬ *сов.* (*несов.* **опошля́ть**) 1 *кого-что* бузмоқ, расволаштирмоқ, расво қилмоқ, расвосини чиқармоқ, бузиб, расво (ёмон, бемаза) қилиб кўрсатмоқ; сийқалаштирмоқ, разиллаштирмоқ, ерга (пастга) урмоқ; **~ прекра́сную мысль** ажойиб фикрни бузиб юбормоқ (расво қилмоқ); **~ до́брые отноше́ния** яхши муносабатларни расво қилмоқ; 2 *что* ишлатавериб сийқасини чиқармоқ, кўп ишлатиб (чайнаб) сийқалаштириб юбормоқ, меъдага тегадиган қилиб қўймоқ; [**Берсе́нев**] **каза́лся бо́лее поря́дочным челове́ком, чем Шу́бин, бо́лее дже́нтльменом, сказа́ли бы мы, е́сли б э́то сло́во не́ было у нас так опо́шлено** (Тургенев) [Берсенев] Шубинга қараганда анча дуруст одам бўлиб туюлар, ундан кўра жентльменроқ ҳам дер эдик-ку, бироқ бу сўз бизда ишлатилавериб жуда сийқаси чиқиб кетган-да.

ОПО́ШЛИ/ТЬСЯ *сов.* (*несов.* **опошля́ться**) 1 бузилмоқ, расволашмоқ, ёмонлашмоқ, расво бўлмоқ, сийқалашмоқ, разиллашмоқ, ёмон бўлиб кўринмоқ; 2 **ишлатилавериб сийқаси чиқмоқ**, кўп чайналиб меъдага тегадиган бўлиб қолмоқ; **Те́рмин «гла́сность» мы не реша́емся употребля́ть,— до того́ он ~лся** (Чернышевский) «Ошкоралик» термини шу қадар чайналганки, уни ишлатишга ҳам ботинолмадик.

ОПОШЛЯ́ТЬ *несов. см.* **опо́шлить.**

ОПОШЛЯ́ТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **опо́шлиться;** 2 *страд. от* **опошля́ть.**

ОПОЭТИЗИ́РОВАТЬ *сов. кого-что* шоирона тасвирламоқ, безаб (бўяб) кўрсатмоқ; **~ действи́тельность** борлиқни шоирона тасвирламоқ, безаб (бўяб) кўрсатмоқ.

ОПОЯ́СА/ТЬ, -я́шу, -я́шешь *сов.* (*несов.* **опоя́сывать**) 1 *кого-что* белбоғ боғламоқ, камар боғламоқ, белни боғламоқ; **~ть гимнасте́рку ремнём** гимнастёрка устидан белга камар боғламоқ; 2 *что уст.* белбоққа (ёки камарга) тақиб (осиб) олмоқ, белга тақиб (ёки осиб) олмоқ; **~ть кинжа́л** белга ханжар боғламоқ, ханжар тақмоқ; 3 *перен. что* ҳар томондан ўраб (қуршаб) олмоқ, қамраб (ўраб) турмоқ; **пожа́р ~л ро́щу** ёнғин ўрмонни ўраб олди; **рвы ~ли кре́пость** қалъани хандақлар ўраб олган.

ОПОЯ́СА/ТЬСЯ, -я́шусь, -я́шешься *сов.* (*несов.* **опоя́сываться**) 1 белбоғ (камар) боғламоқ, белни боғламоқ; **~ться кушако́м** белга камар боғламоқ; 2 *уст.* белга тақиб олмоқ, осиб юрмоқ; **~ться са́блей** белга қилич тақмоқ, қилич осиб олмоқ; 3 *перен.* бирор нарса билан қуршалмоқ, ўралмоқ; **дом ~лся куста́ми сире́ни** бино сирень туплари билан ўралди (ўралган, қуршалган).

ОПОЯ́СЫВАТЬ *несов. см.* **опоя́сать.**

ОПОЯ́СЫВАТЬСЯ *несов. см.* 1 **опоя́саться;** 2 *страд. от* **опоя́сывать.**

ОППОЗИЦИОНЕ́Р *м* оппозиционер, оппозициячи, оппозиция қатнашчиси, тарафдори.

ОППОЗИЦИО́ННОСТЬ *ж* оппозицияда (оппозиция тарафида) бўлиш; зидлик, қаршилик.

ОППОЗИЦИО́ННЫ/Й, -ая, -ое; -о́нен, -о́нна 1 оппозицияга оид, оппозиция тарафидаги, оппозицион; оппозиция...; **~й блок** оппозицион блок, оппозиция (оппозициячилар) блоки; **~е па́ртии** оппозицион партиялар; 2 оппозиция руҳидаги, зид, қарши; **~й о́браз мы́слей** оппозиция руҳида фикрлаш, зид фикр юритиш.

ОППОЗИ́ЦИ/Я *ж* 1 оппозиция, қаршилик, зидлик, қарши чиқиш, қарши ҳаракат; **быть (или стоя́ть, находи́ться** и т. п.) **в ~и** қарши бўлмоқ, қарши турмоқ, қарши чиқмоқ; 2 оппозиция; қарши томон (бирор орган, ташкилот ва ш. к. **ичида кўпчиликка, кўпчилик фикрига қарши бўлган кишилар группаси**); **нау́чная ~я** илмий оппозиция; **парла́ментская ~я** парламентдаги оппозиция.

ОППОНЕ́НТ *м* оппонент, мухолиф (диспут, мунозара, ҳимоя ва ш. к. да); **официа́льные ~ы на защи́те диссерта́ции** диссертация ҳимоясида расмий оппонентлар.

ОППОНИ́РОВАТЬ *несов.* 1 оппонентлик қилмоқ, оппонент бўлмоқ; мухолиф чиқмоқ; **~ диссерта́нту** диссертантга оппонентлик қилмоқ; 2 *уст.* қарши чиқмоқ, зиддига гапирмоқ, эътироз билдирмоқ, фикрига қўшилмаслик.

ОППОРТУНИ́ЗМ *м* оппортунизм (ишчилар ҳаракатида пролетариатнинг синфий манфаатларини буржуа манфаатларига бўйсундиришга, уларни буржуазия билан ҳамкорлик қилишга, революцион кураш йўлидан воз кечишга даъват қилувчи оқим).

ОППОРТУНИ́СТ *м* оппортунист, оппортунизм тарафдори.

ОППОРТУНИСТИ́ЧЕСК/ИЙ, -ая, -ое оппортунизмга оид, оппортунизм руҳидаги, оппортунистик; оппортунизм...; **~ая тео́рия** оппортунистик назария; **~ие тече́ния** оппортунистик оқимлар.

ОППОРТУНИ́СТСК/ИЙ, -ая, -ое оппортунистга оид, оппортунистик; оппортунист(лар)...; **~ая гру́ппа** оппортунистлар гуруҳи.

ОПРА́В/А *ж* оправа, гардиш, рамка; нигинхона; қин, ғилоф; **~а очко́в** кўзойнак гардиши; **~а кинжа́ла** ханжар қини; **руби́н в золото́й ~е** олтин гардишли ёқут.

ОПРАВДА́НИЕ *с* 1 *по гл.* **оправда́ть; ~ *чьего-л.*** **поведе́ния** кимсанинг ҳаракатини оқлаш, ҳақли (тўғри) деб топиш; **~ наде́жд** умидларни оқлаш; умид (орзу) қилинганидек бўлиш (бўлиб чиқиш); **~ дове́рия** ишончни оқлаш, ишончга муносиб иш қилиш; **~ затра́т** харажатни қоплаш; 2 *юр.* оқлаш; оқлаш ҳақидаги ҳукм; **~ подсуди́мого** судланувчини оқлаш; судланувчининг оқланганлиги ҳақидаги ҳукм; 3 важ, далил, сабаб, баҳона; **э́то не ~** бу далил (важ, баҳона) эмас, бу далил (важ) бўлолмайди; **боле́знь послужи́ла ему́ ~м** касаллик унга баҳона (важ) бўлди, касаллик сабабли у оқланди (кечирилди).

ОПРАВДА́ННЫЙ, -ая, -ое 1 *прич. от* **оправда́ть; ~ суде́м** судда (суд томонидан) оқланган; 2 *в знач. прил.* **тўғри,** ўринли; **~ риск** ўринли (тўғри деб бўладиган) таваккалчилик.

ОПРАВДА́ТЕЛЬНЫЙ, -ая, -ое оқлайдиган, тўғрилигини (ҳақлигини) тасдиқлайдиган, айбсизлигини кўрсатадиган; оқлаш...; **~ докуме́нт** оқлайдиган ҳужжат; тасдиқловчи ҳужжат; **~ приговор** оқлаш ҳукми, оқлаш ҳақидаги ҳукм.

ОПРАВДА́ТЬ *сов.* (*несов.* **опра́вдывать**) 1 *кого* оқламоқ, айбсизлигини исботламоқ, ҳақлигини (ҳақлилигини) тасдиқламоқ, тўғри (ҳақ, ҳақли) деб топмоқ; **его́ ничто́м не ~** уни ҳеч оқлаб бўлмайди; 2 *кого юр.* оқламоқ, оқлаб (айбсиз деб) ҳукм чиқармоқ; **~ подсуди́мого** айбдорни оқламоқ; 3 *что* ўринли (тўғри) деб ҳисобламоқ, тўғри (маъзур) деб топмоқ, оқламоқ; кечирмоқ, афв этмоқ; **его́ посту́пок нельзя́ ~** унинг хатти-ҳаракатини оқлаш (тўғри деб ҳисоблаш) мумкин эмас; унинг хатти-ҳаракатини кечириб бўлмайди; 4 *что* ўзини (ўзининг муносиблигини) кўрсата олмоқ, исботламоқ; оқламоқ; **~ *чьё-л.*** **дове́рие** бировнинг ишончини оқламоқ; **~ наде́жды роди́телей** ота-онаси кутгандай (орзу қилгандай) бўлиб чиқмоқ; ота-онасининг орзу-умидларини оқламоқ; **~ себя́ на но́вой до́лжности** янги вазифада ишончни (ўзини) оқламоқ, ўзини кўрсата олмоқ; 5 *что* қопламоқ, тўлдирмоқ, оқламоқ; **~ затра́ты** сарф-харажатини қопламоқ (оқламоқ); 6 *что бухг.* тасдиқламоқ, ҳужжатлар билан далилламоқ; **~ ава́нсовый отчёт** аванс ҳисоботини ҳужжатлар билан тасдиқламоқ.

ОПРАВДА/ТЬСЯ *сов.* (*несов.* **опра́вдываться**) 1 ўзини оқламоқ, айбсизлигини исботламоқ, ҳақлилигини кўрсатмоқ; **~ться перед това́рищами** ўртоқлари олдида ўзини оқламоқ; 2 амалда тасдиқланмоқ, тўғри (ўринли) бўлиб чиқмоқ; **на́ши ожида́ния ~лись** биз ўйлагандек (кўнгилдагидек) бўлди, биз кутгандек бўлиб чиқди; **его́ наде́жды не ~лись** у орзу-умид қилганидек (кутганидек) бўлмади (бўлиб чиқмади); **их опасе́ния ~лись** уларнинг хавфсираши ўринли бўлиб чиқди; 3 ўзини оқламоқ, қопламоқ, ўр-

www.ziyouz.com kutubxonasi

нини тўлдирмоқ; **расхóды ~лись** харажатлар ўзини оқлади; харажатлар бекор кетмади.

ОПРАВДЫВА/ТЬ *несов.* 1 *см.* **оправдáть**; 2 *кого* ҳимоя қилмоқ, оқламоқ; **я егó не ~ю** мен уни ҳимоя қилаётганим (оқлаётганим) йўқ; мен уни оқламоқчи эмасман.

ОПРАВДЫВАТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **оправдáться**; 2 ўзини оқламоқ, ўзини оқлаш учун сабаб (важ, баҳона ва ҳ. к.) кўрсатмоқ, важ-корсон қилмоқ; **~ занятостью** бандлиги билан ўзини оқламоқ, бандлилигини важ-корсон қилмоқ; 3 *страд. от* **оправдывать**.

ОПРАВИТЬ I, -влю, -вишь *сов.* (*несов.* **оправля́ть** I) *что* тузатмоқ, тўғрилаб (тузатиб) қўймоқ, тартибга солмоқ; **~ постéль** ўринни тузатмоқ; **оправьте плáтье** кўйлагингизни тузатинг (тузатиб, тўғрилаб олинг); **~ причёску (вóлосы)** сочни тўғриламоқ, тартибга солмоқ.

ОПРАВИТЬ II, -влю, -вишь *сов.* (*несов.* **оправля́ть** II) *что* оправага ўрнатмоқ, гардишга (рамкага) солмоқ; **~ бриллиáнт** бриллиантни гардишга солмоқ.

ОПРАВИ/ТЬСЯ, -влюсь, -вишься *сов.* (*несов.* **оправля́ться** I) 1 уст-бошини тартибга солмоқ, у ёқ-бу ёғини (кийимини, сочини, кўринишини ва ҳ. к.) тузатмоқ; **~ться перед зéркалом** ойнак олдида у ёқ-бу ёғини тузатмоқ; 2 ўзини ўнглаб олмоқ, қаддини ростлаб олмоқ; **конькобéжец споткнýлся, но срáзу же ~лся** конькичи қоқилди-ю, аммо дарров ўзини ўнглаб олди; 3 тузалмоқ, соғаймоқ, ўзига келмоқ, кучга (куч-қувватга) кирмоқ; **~ться пóсле болéзни** касалликдан кейин ўзига келиб қолмоқ; **ребёнок ещё не совсéм ~лся** бола ҳали батамом тузалиб кетганича йўқ, бола ҳали ўзига келганича йўқ; 4 тикланмоқ, ўнгланмоқ, оёққа туриб олмоқ, қаддини ростламоқ; **хозя́йство ~лось пóсле зáсухи** қурғоқчиликдан кейин хўжалик яна ўнгланиб (оёққа туриб) олди; 5 *перен.* ўзини қўлга олмоқ, ўзини, ҳис-туйғуларини босмоқ, ўзига келмоқ; **~ться от смущéния** хижолатдан чиқмоқ, хижолатдан қутулиб ўзини босиб олмоқ, ўзига келмоқ; 6 *разг.* ёзилмоқ, ҳожат чиқармоқ, бовул қилмоқ.

ОПРАВКА *ж, р. мн.* **-вок** 1 *по гл.* **оправить** II; **~ очкóв** кўзойнакни гардишга солиш; 2 *тех.* оправка, қисқич (кесувчи асбобни ёки ишланаётган детални қисиб қўйиладиган мослама).

ОПРАВЛЯ́ТЬ I *несов. см.* **оправить** I.

ОПРАВЛЯ́ТЬ II *несов. см.* **оправить** II.

ОПРАВЛЯ́ТЬСЯ I *несов.* 1 *см.* **оправиться**; 2 *страд. от* **оправля́ть** I.

ОПРАВЛЯ́ТЬСЯ II, -я́ется *несов. страд. от* **оправля́ть** II.

ОПРАШИВАТЬ *несов. см.* **опроси́ть**.

ОПРЕДЕЛЕ́НИЕ *с* 1 *по гл.* **определи́ть** 1—5 и **определи́ться** 3, 4; **~ болéзни** касалликни аниқлаш; **~ прáвила** қоидани таърифлаш; **~ больнóго в клúнику** беморни клиникага жойлаш; 2 таъриф, тавсиф: **логúческое ~** мантиқий таъриф; **подыскáть (найти́) тóчное ~** *чего-л.* аниқ таърифини топмоқ; 3 *юр.* ажрим; **~ судá** суд ажрими; 4 *грам.* аниқловчи.

ОПРЕДЕЛЁННОСТЬ *ж* аниқлик, муайянлик, маълумлик; муқаррарлик, қатъийлик; **~ взглядóв** қарашларнинг аниқлиги; **~ положéния** аҳволнинг (шароитнинг) аниқлиги; **вы́сказаться со всéй ~ю** жуда аниқ ва қатъий фикр билдирмоқ, қатъий қилиб айтмоқ.

ОПРЕДЕЛЁНН/ЫЙ, -ая, -ое 1 *прич. от* **определи́ть**; 2 *в знач. прил.* аниқ, маълум, муайян, аниқ белгиланган, белгили, тайинли, тайин; **~ое мéсто** тайинли (тайин) жой; **встрéтиться в ~ый час** аниқ (муайян, белгили) бир соатда учрашмоқ; **человéк без ~ых занятий** тайинли бир касбикори бўлмаган киши; 3 *в знач. прил.* аниқ шаклланган, аниқ, қатъий; **~ый взгляд на вéщи** нарсалар (воқеалар, ҳодисалар) ҳақидаги аниқ нуқтаи назар; **имéть ~ое мнéние** *о чём-л.* бирор нарса ҳақида аниқ (қатъий, муайян) бир фикрга эга бўлмоқ; 4 *в знач. прил.* айрим, баъзи, баъзи бир, маълум, алоҳида; **при ~ых услóвиях** айрим ҳолларда; баъзи бир шароитларда; **в ~ых слýчаях** айрим ҳолларда, баъзи вақтларда; **э́то прáвильно для ~ого врéмени** бу баъзи вақт учунгина тўғридир; бу айрим бир вақтдагина тўғри бўлиши мумкин; 5 *в знач. прил. разг.* шубҳасиз, шаксиз, муқаррар; **он имéет ~ый успéх** унинг муваффақияти шак-шубҳасиз, у шубҳасиз муваффақият қозонди.

ОПРЕДЕЛИ́МЫЙ, -ая, -ое аниқлаб бўладиган, белгили бўладиган, таърифлаб бўладиган, таърифланиши мумкин бўлган; **~ тéрмин** таърифлаб бўладиган термин; **~ фáкт** аниқлаб (билиб) бўладиган факт.

ОПРЕДЕЛИТЕ́ЛЬ *м* 1 кўрсаткич (бирор нарсани белгиловчи, кўрсатувчи нарса, омил); 2 таърифнома (нарсаларнинг аниқ таърифи ёзилган китоб); **~ растéний** ўсимликларнинг таърифномаси; **~ минерáлов** минералларнинг таърифномаси; 3 *мат.* аниқловчи, детерминант.

ОПРЕДЕЛИТЕ́ЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое; -лен, -льна 1 таърифларни (аниқловчи маълумотларни) ўз ичига олган, таърифли, аниқловчи; **~ые табли́цы** таърифли жадваллар; 2 *грам.* аниқловчи, аниқловчи бўлиб келадиган; **~ые слова́** аниқловчи (аниқловчи бўлиб кела оладиган) сўзлар; **~ое местоимéние** белгилаш олмоши.

ОПРЕДЕЛИ/ТЬ *сов.* (*несов.* **определя́ть**) 1 *что* аниқламоқ, белгиламоқ, топмоқ; аниқлаб (белгилаб) олмоқ, аниқ қилмоқ; **~ть положéние** аҳволни (шароитни) аниқламоқ; **~ть направлéние вéтра** шамол йўналишини аниқламоқ; **~ть причúну заболевáния** касаллик сабабини аниқламоқ; **~ть плóщадь крýга** доира сатҳини аниқламоқ (топмоқ); 2 *что* аниқламоқ, аниқ билмоқ, аниқ билиб (тушуниб) олмоқ; аниқ белгиламоқ; **~ть свои́ задáчи** ўз вазифаларини аниқлаб (аниқ билиб, тушуниб) олмоқ; **~ть своё отношéние к дéлу** ишга ўз муносабатини аниқ белгиламоқ; 3 *кого-что* таърифламоқ, таъриф бермоқ, тавсифламоқ; **~ть закóн Óма** Ом қонунини таърифламоқ; **~ть поня́тие матéрии** материя тушунчасига таъриф бермоқ; **сумéть ~ть талáнт писáтеля** ёзувчининг талантини таърифлай билмоқ; 4 *что* тайинламоқ, белгиламоқ, тайин қилмоқ; **~ть срок** муҳлатни белгиламоқ, муҳлат тайинламоқ; **~ть цéну** нархни белгиламоқ, нарх қўймоқ; **день приéзда ещё не определён** келиш куни ҳали тайин эмас; **емý ~ли персонáльную пéнсию** унга шахсий пенсия белгиладилар (тайинланди); **мéра наказáния определенá закóном** жазо чораси қонун билан белгиланган; 5 *кого уст. и разг.* жойламоқ, ўрнаштирмоқ, киритиб қўймоқ; **~ть в интернáт** интернатга жойламоқ; **~ть в мастерскýю** устахонага ўрнаштирмоқ, ишхонага ишга киритиб қўймоқ; 6 *что* сабаб бўлмоқ, таъминламоқ, имкон бермоқ; олиб келмоқ; белгиламоқ; ҳал қилмоқ; **трудолю́бие ~ло успéх** меҳнатсеварлик муваффақиятга олиб келди; **э́то и ~ло егó дальнéйшую** судьбý унинг бундан кейинги тақдирини ана шу нарса белгилади(ҳал қилди).

ОПРЕДЕЛИ/ТЬСЯ *сов.* (*несов.* **определя́ться**) 1 аниқланмоқ, аниқ бўлмоқ, маълум бўлмоқ; **врéмя встрéчи ~лось** учрашув вақти аниқ бўлди; 2 *перен.* шаклланмоқ, билинмоқ, шаклланиб бўлмоқ (етмоқ), аниқлашмоқ, қатъийлашмоқ; **егó хáрактер ещё не ~лся** унинг характери ҳали шаклланган йўқ (шаклланмаган); **как худóжник он ещё не ~лся** у рассом сифатида ҳали шаклланиб етган эмас; **вáше мнéние ~лось?** сизнинг фикрингиз қатъийлашдими?; сиз қатъий бир фикрга келдингизми?; 3 *спец.* ўзининг турган жойини аниқламоқ; ўзининг турган жойини билиб олмоқ; **~ться по звёздам** ўзининг турган жойини юлдузларга қараб аниқламоқ (билмоқ); 4 *уст. и разг.* жойлашмоқ, ўрнашмоқ, кирмоқ; **~ться на рабóту** ишга жойлашмоқ.

ОПРЕДЕЛЯ́ТЬ *несов. см.* **определи́ть**.

ОПРЕДЕЛЯ́ТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **определи́ться**; 2 *страд. от* **определя́ть**.

ОПРЕСНЕ́НИЕ *с по гл.* **опреснúть** и **опреснúться**; **~ морскóй воды́** денгиз сувининг чучуклашуви; денгиз сувини шўрсизлантириш.

ОПРЕСНИ́ТЕЛЬ *м* тузсизлантиргич (сувни эриган туздан тозаловчи аппарат).

ОПРЕСНИ́ТЕЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое тузсизлантирадиган, шўрсизлантирадиган; чучуклаштирадиган, туздан тозалайдиган; **~ая устанóвка** тузсизлантирадиган қурилма.

ОПРЕСНИ́ТЬ *сов.* (*несов.* **опресня́ть**) *что* чучук қилмоқ, шўрини тозаламоқ, тузсизлантирмоқ, шўрсизлантирмоқ, чучуклаштирмоқ; **~ морскýю вóду** денгиз сувини чучуклаштирмоқ.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ОПРЕСНИ́ТЬСЯ, -и́тся *сов.* (*несов.* **опресня́ться**) шўрсизланмоқ, чучук бўлмоқ, чучуклашмоқ, тузи (шўри) кетмоқ.

ОПРЕСНЯ́ТЬ *несов. см.* **опресни́ть.**

ОПРЕСНЯ́ТЬСЯ, -я́ется *несов.* 1 *см.* **опресни́ться;** 2 *страд. от* **опресня́ть.**

ОПРИХО́ДОВАТЬ *сов. что бухг.* киримни, даромадни ёзиб қўймоқ, кирим дафтарига (томонига) қайд қилмоқ.

ОПРИ́ЧНИК *м ист.* опричник (опричнинада хизмат қилган бояр); *см.* **опри́чнина** 2.

ОПРИ́ЧНИНА *ж ист.* опричнина (1 Иван Грозний даврида боярлар-князлар оппозициясини маҳв этиш ва марказий ҳокимиятни мустаҳкамлаш учун амалга оширилган тадбир-чоралар системаси; 2 шу мақсадда Иван Грозний тузган махсус қўшин; 3 Иван Грозний боярлардан тортиб олган ва бевосита ўзи идора қилган ерлар).

ОПРИ́ЧНЫ/Й, -ая, -ое *ист.* опричнинага оид; опричнина...; **~е войска́** опричнина қўшинлари; **~е зе́мли** опричнина ерлари.

ОПРО́БОВАНИЕ *с по гл.* **опро́бовать; ~ но́вого станка́** янги станокни синаб кўриш.

ОПРОБОВА́ТЬ *сов. что* 1 синаб кўрмоқ, ишлатиб (юргизиб) кўриб синамоқ, синовдан ўтказмоқ; **~ мото́р** моторни синаб кўрмоқ; 2 анализ қилмоқ, таркибини (ёки сифатини) текшириб кўрмоқ, **~ руду́** рудани синаб кўрмоқ.

ОПРОВЕ́РГАТЬ *несов. см.* **опрове́ргнуть.**

ОПРОВЕ́РГНУТЬ, -ну, -нешь; -е́рг, -е́ргла *сов.* (*несов.* **опроверга́ть**) *что* рад қилмоқ, нотўғрилигини исбот қилмоқ, ёлғонлигини кўрсатмоқ; **~ слу́хи** овозаларни (миш-мишларни) рад қилмоқ; **~ лженау́чную тео́рию** сохта илмий назарияни рад қилмоқ; **~ возводи́мое** *на кого-л.* **обвине́ние** кимсага қўйилаётган айбнинг нотўғрилигини исботламоқ.

ОПРОВЕРЖЕ́НИЕ *с* 1 *по гл.* **опрове́ргнуть; ~ клеветы́** туҳматларни рад этиш; **~ слу́хов** миш-мишларни рад қилиш; 2 раддия; **официа́льное ~** расмий раддия; **дать ~ в газе́те** газетада раддия бермоқ.

ОПРОКИ́ДНОЙ, -а́я, -о́е *тех.* ағдарма, ағдарадиган; **~ ку́зов** ағдарма кузов.

ОПРОКИ́ДЫВАТЕЛЬ *м тех.* ағдаргич (ағдарма кузов, ағдарувчи механизм ва ш. к.).

ОПРОКИ́ДЫВАТЬ *несов. см.* **опроки́нуть.**

ОПРОКИ́ДЫВАТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **опроки́нуться;** 2 *страд. от* **опроки́дывать.**

ОПРОКИ́НУ/ТЬ *сов.* (*несов.* **опроки́дывать**) 1 *кого-что* ағдармоқ, қулатмоқ, йиқитмоқ; ағдариб (йиқитиб, қулатиб) юбормоқ, ағнатмоқ; тўнтармоқ, тўнкармоқ, тўнтариб қўймоқ; тўнтариб юбормоқ; **~ть стул** стулни ағнатмоқ, стулни ағдариб юбормоқ; **~ть стака́н** стаканни ағдармоқ, стаканни тўнтармоқ (тўнтариб қўймоқ); **во́лны ~ли ло́дку** тўлқинлар қайикни ағдариб (тўнтариб) юборди; 2 *что разг.* тўкмоқ, ағдармоқ; ағдариб ташламоқ; **~ть кирпичи́ у скла́да** ғиштларни омбор олдига тўкмоқ (ағдармоқ); 3 *без доп. прост.* кўтармоқ, отмоқ, ичмоқ (ичкилик ҳақида); 4 *кого-что разг.* йиқитиб (тушириб, ағдариб) юбормоқ (машинадан, қайиқдан ва ҳ. к.); 5 *кого-что воен.* улоқтирмоқ, улоқтириб ташламоқ; **~ть проти́вника** душманни улоқтириб ташламоқ; **вра́жеские та́нки бы́ли ~ты** душман танклари улоқтириб ташланди; 6 *перен. что* бардод қилмоқ, йўққа (пучга) чиқармоқ, рад қилмоқ, остинустун қилиб ташламоқ; барҳам бермоқ; **~ть устаре́вшие техни́ческие но́рмы** эскирган техник нормаларга барҳам бермоқ.

ОПРОКИ́НУ/ТЬСЯ *сов.* (*несов.* **опроки́дываться**) 1 йиқилмоқ, ағдарилмоқ, тўнтарилмоқ, йиқилиб (ағдарилиб) кетмоқ, йиқилиб (ағдарилиб) тушмоқ; **ва́за ~лась** ваза ағдарилиб тушди; **грузови́к ~лся** грузовик ағдарилиб кетди; **ло́дка ~лась** қайиқ тўнтарилиб қолди; **ма́льчик ~лся на́ спину** бола чалқанча йиқилди; 2 *уст.* орқага суянмоқ, ўзини орқага ташлаб суяниб ўтирмоқ; **он ~лся на спи́нку дива́на** у ўзини ташлаб диван суянчиғига суяниб ўтирди; 3 ёпирилиб ташланмоқ, қўққисдан ҳужум қилмоқ; **~ться на проти́вника** ёпирилиб душман устига ташланмоқ, қўққисдан душманга ҳужум қилмоқ; 3 *перен. уст.* бирдан ташланмоқ, ёпишиб кетмоқ.

ОПРОМЕ́ТЧИВО *нареч.* ўйламасдан, мулоҳаза қилмасдан, енгилтаклик билан, шошқалоқлик билан; **~ бро́шенное (ска́занное) сло́во** ўйламай айтилган (ноўрин) сўз; **~ сде́ланный шаг** ўйламай қўйилган қадам (қилинган иш, ҳаракат); **де́йствовать ~** охирини ўйламай (шошиб) иш тутмоқ.

ОПРОМЕ́ТЧИВОСТЬ *ж* мулоҳазасизлик, шошқалоқлик, енгилтаклик; ўйламасдан иш тутиш; ўйламай (шошқалоқлик билан) қилинган иш; **~ сужде́ний** фикр-мулоҳазаларнинг ўйламай айтилганлиги; **~ в дела́х** ишда шошқалоқлик; **допусти́ть ~** енгилтаклик қилмоқ; ўйламасдан иш тутмоқ.

ОПРОМЕ́ТЧИВ/ЫЙ, -ая, -ое 1 ўйламасдан иш тутадиган, енгилтак, шошқалоқ, бемулоҳаза, мулоҳазасиз; **он сли́шком ~** у жуда шошқалоқ одам; у жуда бемулоҳаза одам; 2 ўйламасдан қилинган, енгилтаклик билан қилинган; **~ое реше́ние** яхши ўйламасдан қилинган қарор; **~ый шаг** енгилтаклик билан қўйилган қадам, ўйламай бошланган иш.

ОПРОМЕ́ТЬЮ *нареч.* тез, шошганича, ҳовлиқиб, зинғиллаб; оёқни қўлга олиб; **~ бежа́ть** ҳовлиққанича югурмоқ; оёқни қўлга олиб чопмоқ; **~ ки́нуться** *за кем-л.* бировнинг кетидан шошганича чопмоқ (югурмоқ).

ОПРО́С *м по гл.* **опроси́ть; ~ свиде́телей** гувоҳлардан сўраш; гувоҳларни сўроқ қилиш; **~ уча́щихся** ўқувчилардан сўраш; ўқувчилардан бирма-бир сўраб чиқиш; **провести́ ~** сўроқламоқ, сўроқ ўтказмоқ, сўраб (сўроқ варақаси тарқатиб) кўпчиликдан маълумот, фикр тўпламоқ; **результа́ты ~а** сўроқлаш натижалари.

ОПРОСИ́ТЬ, -ошу́, -о́сишь *сов.* (*несов.* **опра́шивать**) *кого* 1 кўпчиликдан сўрамоқ, сўроқламоқ (фикр тўплаш, бирор маълумот олиш учун), **~ населе́ние** аҳоли ўртасида сўроқ ўтказмоқ; 2 сўрамоқ, бирма-бир сўраб чиқмоқ; **~ уча́щихся** ўқувчилардан сўрамоқ, ўқувчилардан бирма-бир сўраб чиқмоқ; 3 сўрамоқ, сўроқламоқ, суриштирмоқ; **~ очеви́дцев ава́рии** аварияни кўрганлардан сўрамоқ, авария шоҳидларидан суриштирмоқ.

ОПРО́СНЫ/Й, -ая, -ое сўрашга, сўроқлашга оид; сўраш...; сўроқ...; **~й лист** сўроқ варақаси; **~е да́нные** сўроқ натижалари.

ОПРО́СТАТЬ *сов. что прост.* бўшатмоқ; **~ я́щики стола́** стол яшикларини бўшатмоқ.

ОПРОСТА/ТЬСЯ, -а́ется *сов. прост.* бўшамоқ, бўшалмоқ, бўшаб қолмоқ; **кувши́н ~лся** кўза бўшади.

ОПРОСТИ́ТЬ, -ошу́, -ости́шь *сов.* (*несов.* **опроща́ть**) *кого-что* соддалаштирмоқ, оддийлаштирмоқ, содда қилиб қўймоқ (юбормоқ); **~ фа́булу рома́на** роман фабуласини соддалаштирмоқ.

ОПРОСТИ́/ТЬСЯ, -ощу́сь, -ости́шься *сов.* (*несов.* **опроща́ться**) соддалашмоқ, оддийлашмоқ, содда бўлиб қолмоқ; **С ви́ду Шу́бников о́чень ~лся** (Федин) Шубников кўринишдан жуда соддалашиб қолган.

ОПРОСТОВОЛО́СИТЬСЯ, -о́шусь, -о́сишься *сов. разг.* қаттиқ янглишмоқ, қўпол (ёмон) хато қилиб қўймоқ; соддалик (гўллик) қилмоқ, лақиллламоқ.

ОПРОТЕСТОВА́НИЕ *с юр. по гл.* **опротестова́ть; ~ приговора́** ҳукмдан норози бўлиб шикоят аризаси бериш.

ОПРОТЕ́СТОВАТЬ, -ту́ю, -ту́ешь *сов.* (*несов.* **опротести́товывать**) *что* 1 *юр.* норози бўлиб шикоят аризаси бермоқ; **~ ме́ру наказа́ния** жазо чорасидан норози бўлиб шикоят аризаси бермоқ; 2 *спец.* протест қилмоқ, расмий арз қилмоқ; **~ ве́ксель** векселни протест қилмоқ (вексель бўйича ўз вақтида қарз тўланмаганлиги ҳақида расмий арз қилмоқ).

ОПРОТЕСТО́ВЫВАТЬ *несов. см.* **опротестова́ть.**

ОПРОТИ́ВЕ/ТЬ *сов.* кўнгилга урмоқ, меъдага (жонга) тегмоқ, безор қилмоқ, жондан тўйдирмоқ, бездирмоқ; ёқмай қолмоқ; **...вско́ре она́ [рыба] прие́лась и ~ла** (Арсеньев) ...у [балиқ] тезда меъдага урди ва ёқмай қолди.

ОПРОЩА́ТЬ *несов. см.* **опрости́ть.**

ОПРОЩА́ТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **опрости́ться;** 2 *страд. от* **опроща́ть.**

ОПРЫСКА́ТЬ *сов.* (*несов.* **опры́скивать**) *кого-что* пуркатиб (чанглатиб) сепмоқ, пуркамоқ; **~ цветы́** гулларга сув (ёки дори ва ҳ. к.) пуркамоқ, пуркатиб сув (дори ва

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳ. к.) сепмоқ; ~ **расте́ния ядохимика́тами** ўсимликларга заҳарли дорилар пуркамоқ; ~ **себя́ духа́ми** ўзига атир пуркамоқ.

ОПРЫСКА́ТЬСЯ *сов.* (*несов.* **опры́скиваться**) ўзига атир ва ҳ. к. пуркамоқ; ~ **одеколо́ном** ўзига атир сепмоқ.

ОПРЫСКИВА́НИЕ *с по гл.* **опры́скивать и опры́скиваться; ~ плодо́вых дере́вьев** мевали дарахтларга дори пуркаш (сепиш).

ОПРЫСКИВА́ТЕЛЬ *м* пуркагич; ~ **для дефолиа́ции хлопча́тника** ғўзаларнинг баргини тўкиш учун дори сепадиган пуркагич.

ОПРЫСКИВА́ТЬ *несов. см.* **опры́скать.**

ОПРЫСКИВА́ТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **опры́скаться; 2** *страд. от* **опры́скивать.**

ОПРЫСНУ́ТЬ *сов.* и *однокр. см.* **опры́скивать.**

ОПРЯ́ТНО *нареч.* назофат билан; тоза, озода, покиза; саранжом-саришта; ~ **одева́ться** тоза (озода) кийинмоқ; назофат билан кийинмоқ.

ОПРЯ́ТНОСТЬ *ж* назофат, тозалик, озодалик, покизалик, саранжом-саришталик; **До́мик их блиста́л ~ью и чисто́тою** (С. Аксаков) Уларнинг уйлари саранжом-саришталиги ва озодалиги билан чақнаб турар эди.

ОПРЯ́ТН/ЫЙ, -ая, -ое; -тен, -тна озода, тоза, покиза, саранжом-саришта; ~**ый вид** тоза (озода, покиза) кўриниш; ~**ая ко́мната** озода (покиза) хона; саранжом-саришта уй; ~**ый ребёнок** тоза (озода) бола; назофат билан кийинадиган, уст-бошини, ўзини озода тутадиган бола, саранжом-саришта бола.

ОПТ *м спец.* кўтара савдо, кўтарасига олиш (сотиш).

ОПТА́НТ *м юр.* оптант (оптация вақтида ёки балоғатга етганда қайси давлатда қолиш ихтиёри ўзида бўлган шахс).

ОПТА́НТКА *ж, р. мн.* **-ток** *юр. см.* **опта́нт.**

ОПТА́ЦИЯ *ж юр.* оптация (бирор территория бошқа давлатга ўтганда балоғатга етган шахснинг фуқаролик танлаш ҳуқуқи).

О́ПТИК *м* оптик. оптика мутахассиси.

ОПТИК/А *ж* 1 оптика, ёруғлик (физиканинг ёруғлик ҳақидаги бўлими); **зако́ны ~и** оптика қонунлари; 2 *собир.* оптика, оптик асбоблар; **магази́н ~и** оптика магазини, оптик асбоблар магазини.

ОПТИМА́ЛЬНЫ/Й, -ая, -ое; -лен, -льна оптимал, энг мақбул, энг қулай, энг мувофиқ, энг муносиб, энг яхши натижа берадиган; ~**й вариа́нт** оптимал варианти, энг яхши вариант; ~**е сро́ки се́ва хлопча́тника** чигит экишнинг оптимал (энг қулай, энг мақбул) муддатлари.

ОПТИМИЗА́ЦИЯ *ж* оптимизация, оптималлаш, оптимал вариантни танлаш, оптимал (энг қулай) шароит яратиш; ~ **проце́сса обуче́ния** ўқиш-ўқитиш жараёнини оптималлаш, энг қулай (мувофиқ) ўқиш-ўқитиш жараёнини вужудга келтириш.

ОПТИМИЗИ́РОВАТЬ *сов.* и *несов. что* оптималламоқ, оптимал вариантни танламоқ, оптимал (энг қулай) шароит яратмоқ; ~ **усло́вия о́пыта** тажриба учун оптимал (энг қулай) шароит танламоқ (яратмоқ).

ОПТИМИЗИ́РОВАТЬСЯ, -руется *сов.* и *несов.* оптималлашмоқ, оптимал ҳолга келмоқ.

ОПТИМИ́ЗМ *м* оптимизм, некбинлик (дунёга, ҳаётга доим умид билан қараш, келажакка ишониш).

ОПТИМИ́СТ *м* оптимист, некбин (оптимизм руҳидаги одам).

ОПТИМИСТИ́ЧЕСКИЙ, -ая, -ое оптимизмга ва оптимистга оид, оптимизм руҳидаги, оптимистик; умид-ишонч билан тўлган; ~ **взгляд на ве́щи** ҳар нарсага яхши умид ва ишонч билан қараш.

ОПТИМИСТИ́ЧНЫЙ, -ая, -ое; -чен, -чна *то же, что* **оптимисти́ческий.**

ОПТИМИ́СТКА *ж, р. мн.* **-ток** *см.* **оптими́ст.**

О́ПТИМУМ *м* оптимум, оптимал (энг мақбул) вариант, энг қулай шароит, энг қулай ҳол; ~ **температу́ры** оптимал (энг мақбул) температура; энг қулай иссиқлик шароити.

ОПТИ́РОВАТЬ *сов.* и *несов. кого юр.* оптация қилмоқ, оптация ҳуқуқига биноан истаган мамлакатида қолдирмоқ.

ОПТИ́РОВАТЬСЯ *юр.* 1 *сов.* и *несов.* оптация ҳуқуқидан фойдаланмоқ оптация ҳуқуқига биноан фуқароликни танламоқ; 2 *несов. страд. от* **опти́ровать.**

ОПТИ́ЧЕСКИ/Й, -ая, -ое оптикага, ёруғликка оид, оптика қонунларига асосланган, оптика қонунларига кўра юз берадиган, оптик; оптика...; ёруғлик...; ~**й обма́н** оптик янглишув (иллюзия); сароб; ~**е явле́ния** оптик ҳодисалар; ёруғлик ҳодисалари; **винто́вка с ~м прице́лом** оптик прицелли милтиқ; ~**е прибо́ры** оптик асбоблар (микроскоп, телескоп, фотоаппарат ва ш. к.).

ОПТОВИ́К *м, р.* **-а́** кўтарафуруш, кўтарачи; кўтара (улгуржи) савдо қилувчи савдогар.

ОПТО́В/ЫЙ, -ая, -ое кўтара, улгуржи; кўтарасига олиб-сотувчи; ~**ая торго́вля** кўтара савдо, улгуржи савдо.

ОПТОМ *нареч.* 1 кўтарасига, кўтара, улгуржи, андаряк; **купи́ть ~** кўтарасига сотиб олмоқ; **прода́ть ~** кўтарасига сотмоқ; 2 *перен. разг.* ҳаммасини, борини, қаторасига; **Кака́я-то ба́рыня переводи́ла ему́ ~ всё...** (Белинский) Қандайдир бойвучча унга ҳаммасини қаторасига таржима қилиб берар эди.

ОПУБЛИКОВА́НИ/Е *с по гл.* **опубликова́ть; ~е в газе́те** газетада босиш; газетада босилиш; ~**е но́вой повести** янги повестнинг нашр қилиниши, янги повестни нашр қилиш; **с моме́нта ~я зако́на** қонун эълон қилинган пайтдан бошлаб.

ОПУБЛИКОВА́ТЬ, -ку́ю, -ку́ешь *сов.* (*несов.* **опублико́вывать**) *что* нашр қилмоқ, босиб чиқармоқ, матбуотда эълон қилмоқ; ~ **рецензию** тақризни босиб чиқармоқ; **статья́ ещё не опубликова́на** мақола ҳали босилганича йўқ.

ОПУБЛИКО́ВЫВАТЬ *несов. см.* **опубликова́ть.**

ОПУС *м* 1 *муз.* опус (бирор композиторнинг **айрим** музика асари); 2 *разг. шутл.* умуман асар.

ОПУСКА́ТЬ *несов. см.* **опусти́ть.**

ОПУСКА́/ТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **опусти́ться; 2** пасаймоқ, пасайиб (тушиб) бормоқ; **Доро́га идёт извива́ясь ме́жду куста́рниками, ~ясь в небольши́е овра́ги...** (Лермонтов) Чакалакзор оралаб борадиган эгри-бугри йўл кичик-кичик жарликлар томон пасайиб борар эди; 3 *страд. от* **опуска́ть.**

ОПУСКН/ОЙ, -а́я, -о́е пастга тушадиган, тушириб қўйиладиган; тушириб-кўтарадиган; ~**а́я решётка** тушириб-кўтариб қўйиладиган панжара; ~**а́я ла́мпа** тушириб-кўтариладиган лампа.

ОПУСТЕ́ЛЫ/Й, -ая, -ое бўш, бўшаб қолган, кимсасиз, ҳувиллаган, бўм-бўш; ~**й сад** ҳувиллаб қолган боғ; бўм-бўш боғ; ~**е у́лицы** ҳувиллаган (кимсасиз) кўчалар.

ОПУСТЕ́/ТЬ, -еет *сов.* 1 бўшамоқ, бўшаб қолмоқ; **кувши́н ~л** кўза бўшади; **скворе́чня ~ла** чуғурчиқхона бўшаб қолди; 2 ҳувиллаб қолмоқ, бўшаб қолмоқ, кимсасиз бўлиб қолмоқ; **у́лицы ~ли** кўчалар ҳувиллаб қолди; кўчаларда ҳеч ким қолмади; **лес ~л** ўрмон ҳувиллаб қолди.

ОПУСТИ́ТЬ, -ущу́, -у́стишь *сов.* (*несов.* **опуска́ть**) *что* 1 туширмоқ, пасайтирмоқ, қуйи солмоқ, қўймоқ; ~ **што́ры** пардаларни туширмоқ; ~ **паруса́** елканларни туширмоқ; ~ **носи́лки на зе́млю** замбарни ерга қўймоқ; ~ **глаза́** кўзни ерга қаратмоқ, ерга қарамоқ; ~ **го́лову** бошни қуйи солмоқ; бепарволик кайфиятига тушмоқ; 2 *во что* солмоқ, ташламоқ, солиб қўймоқ, туширмоқ, ботирмоқ; ~ **письмо́ в почто́вый я́щик** хатни почта яшигига ташламоқ; ~ **бюллете́нь в у́рну** бюллетенни қутига солмоқ (ташламоқ); ~ **ру́ку в карма́н** қўлни чўнтакка солмоқ; ~ **вёсла в во́ду** эшкакларни сувга ботирмоқ; 3 туширмоқ, ёпмоқ, ташламоқ; ~ **кры́шку роя́ля** роялнинг қопқоғини туширмоқ (ёпмоқ); 4 туширмоқ, тушириб қолдирмоқ, ташлаб кетмоқ; қисқартирмоқ, олиб ташламоқ; **в кни́ге опу́щен це́лый абза́ц** китобда бутун бир абзац тушириб қолдирилган; ~ **изли́шние подро́бности** ортиқча тафсилотларни олиб ташламоқ; 5 бўшатмоқ, бўшроқ қилиб қўймоқ, бўш қўймоқ; ~ **подпру́гу** қоринбоғни (айилни) бўшатмоқ; ~ **во́жжи** жиловни бўш қўймоқ; ✦ ~ **перпендикуля́р** *мат.* перпендикуляр туширмоқ; **как (бу́дто, сло́вно) в во́ду опу́щенный** сувга тушган нондай (мушукдай), бўшашиб, ғамгин.

ОПУСТИ́/ТЬСЯ, -ущу́сь, -у́стишься *сов.* (*несов.* **опуска́ться**) 1 тушмоқ, пасаймоқ, ўтирмоқ, қўнмоқ; чўкмоқ, солинмоқ; ~**ться на дно** сув остига тушмоқ, ғарқ бўлмоқ;

www.ziyouz.com kutubxonasi

~ться на зе́млю ерга тушмоқ, ерга қўнмоқ; **~ться в кре́сло** креслога ўтирмоқ; креслога ўзини ташламоқ; **~ться на коле́ни** тиз чўкмоқ; **ба́бочка ~лась на цвето́к** капалак гулга қўнди; 2 *перен.* тушмоқ, босмоқ, чўкмоқ, қопламоқ, чулғамоқ (булут, туман, қоронғилик ҳақида); **на зе́млю ~лись су́мерки** ерга ғира-шира қоронғилик чўкди, ерни ғира-шира қоронғилик қоплади; **тума́н ~лся на доли́ну** водийга туман тушди, водийни туман қоплади; 3 ўрнига тушмоқ, бекилмоқ, ёпилмоқ; **подъёмный мост ~лся** кўтарма кўприк ўрнига тушди (бекилди); **за́навес ~лся** парда тушди (бекилди, ёпилди); 4 *перен.* тубанлашмоқ, разиллашмоқ; чўкиб қолмоқ; ўзига қарамай қўймоқ; искирт бўлиб кетмоқ; ✦ **ру́ки ~лись** *у кого см.* **рука́**.

ОПУСТОША́ТЬ *несов. см.* **опустоши́ть**.

ОПУСТОШЕ́НИЕ *с* 1 *по гл.* **опустоши́ть; ~ поле́й за́сухой** қурғоқчиликдан далаларнинг (экинзорларнинг) яксон бўлиши; **~ страны́ неприя́телем** мамлакатнинг душман томонидан вайрон қилиниши; 2 маънавий қашшоқлик, руҳий тушкунлик; **нра́вственное ~** ахлоқий (маънавий) тушкунлик.

ОПУСТОШЕ́ННОСТ/Ь *ж* 1 вайронлик, хароблик, вайроназорга айланганлик; 2 маънавий қашшоқлик, руҳий тушкунлик, лоқайдлик; **чу́вство ~и** тушкунлик туйғуси.

ОПУСТОШЕ́НН/ЫЙ, -ая, -ое 1 *прич. от* **опустоши́ть; ~ые войно́й райо́ны** уруш харобазорга айлантирган (урушда харобазорга айланган) районлар; 2 *в знач. прил.* тушкунликка йўлиққан, маънавий қашшоқ, лоқайд; **~ая душа́** тушкунликка йўлиққан киши, лоқайд одам.

ОПУСТОШИ́ТЕЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое; -лен, -льна хароб қиладиган, вайрон-толқон қиладиган; ҳалок қиладиган; қирғин келтирадиган, ҳалокатли; **~ое наводне́ние** ҳалокатли тошқин; **~ый нале́т авиа́ции** авиациянинг ҳамма ёқни вайрон-толқон қиладиган ҳужуми.

ОПУСТОШ/И́ТЬ *сов.* (*несов.* **опустоша́ть**) 1 *что* хароб қилмоқ, вайрон-толқон қилмоқ; қирғин қилмоқ (келтирмоқ), қириб ташламоқ; харобазорга айлантирмоқ; **враг ~л го́род** ёв шаҳарни харобазорга айлантирди; 2 *что разг.* бўшатмоқ; 3 *перен. кого* маънавий жиҳатдан қашшоқлаштирмоқ, тушкунликка солмоқ, руҳини тушириб юбормоқ, сўндирмоқ, лоқайд қилиб қўймоқ; **~ть ду́шу** қалбини сўндирмоқ; **бесце́льная жизнь ~ла его́** мақсад-маслаксиз ҳаёт уни маънавий қашшоқ қилиб қўйди.

ОПУ́ТАТЬ *сов.* (*несов.* **опу́тывать**) 1 *что* ўраб боғламоқ, чирмамоқ, чулғамоқ; ўраб ташламоқ; кишанламоқ, тушовламоқ; **~ но́ги ло́шади верёвкой** от оёқларини тушовламоқ; 2 *что* ўраб олмоқ; **виногра́д опу́тал терра́су** ток айвонни ўраб олибди; 3 *перен. кого* қўлга олмоқ, ўзига ром қилмоқ, оғдирмоқ; **~ле́стью** хушомад билан қўлга олмоқ; **~ча́рами** дилраболиги билан ўзига ром қилмоқ; 4 *перен. кого* йўлдан урмоқ, алдамоқ, алдаб қўлга туширмоқ; лақиллатмоқ; **~ интри́гами** турли найранглар билан йўлдан урмоқ, қўлга олмоқ.

ОПУ́ТЫВАТЬ *несов. см.* **опу́тать**.

ОПУХА́ТЬ *несов. см.* **опу́хнуть**.

ОПУХЛОСТЬ *ж* шиш, ғурра; шишганлик; **~ век** қовоқнинг шишганлиги.

ОПУХЛ/ЫЙ, -ая, -ое *разг.* шишган, шишиб солқиган, осилган; **~ое лицо́** шишган юз.

ОПУХ/НУТЬ, -ну, -нешь; опу́х, -ла *сов.* (*несов.* **опуха́ть**) шишмоқ, шишиб кетмоқ, ғурра бўлмоқ; **но́ги ~ли** оёқлари(м) шишиб кетди; **у меня́ ~ли глаза́** кўзларим шишиб кетибди.

ОПУХОЛЕВЫЙ, -ая, -ое шишга оид, шишли; шиш...; шишиш...; **~ проце́сс** шишиш жараёни.

ОПУХОЛЕРО́ДНЫЙ, -ая, -ое ёмон шиш ҳосил қиладиган; ўсмага (ракка) айланадиган; **~ ви́рус** ёмон шиш (рак) вируси.

ОПУ́ХОЛЬ *ж* 1 шиш, ғурра; 2 *мед.* шиш, ўсма; **доброка́чественная ~** зарарсиз шиш; **злока́чественная ~** ёмон шиш, хавфли ўсма, рак, саратон.

ОПУ́ХШ/ИЙ, -ая, -ее шишган, шишиб кетган; **~ая щека́** шишган бет.

ОПУША́ТЬ *несов. см.* **опуши́ть**.

ОПУША́ТЬСЯ, -а́ется *несов.* 1 *см.* **опуши́ться**; 2 *страд. от* **опуша́ть**.

ОПУШЕ́НИЕ *с* 1 *по гл.* **опуши́ть** 1 и **опуши́ться** 1; 2 тук (жун, пат) қатлами; тўн; **зи́мнее ~ бе́лки** олмахоннинг қишки жуни (тўни).

ОПУШ/И́ТЬ *сов.* (*несов.* **опуша́ть**) 1 тук (жун, пат) чиқармоқ, тук (жун, пат) билан қопламоқ, ўрамоқ; **птенцы́ уже́ опушены́** қуш болалари пат чиқариб бўлди; 2 *что* барг билан қопламоқ, баргларга ўрамоқ; **дере́вья, опушённые молодо́й листво́й** янги барг билан қопланган дарахтлар; 3 қор (қиров) билан қопламоқ, оқартирмоқ; **и́ней ~л дере́вья** дарахтларни қиров қоплади; 4 *что* четига, атрофига мўйна тикмоқ, мўйна тутмоқ; **~ть воротни́к** ёқанинг четларига мўйна тутмоқ.

ОПУШ/И́ТЬСЯ, -и́тся *сов.* (*несов.* **опуша́ться**) 1 тук (жун, пат) чиқармоқ; тук (жун, пат) билан қопланмоқ; 2 барг чиқармоқ, барг ёзмоқ; **дере́вья ~лись** дарахтлар барг чиқарди, дарахтлар барг ёзди; 3 қопланмоқ (қор, қиров билан).

ОПУШК/А I *ж* мўйна, уқа, ҳошия; **пальто́ с ~ой из но́рки** атрофига норка тутилган пальто.

ОПУШК/А II *ж, р. мн.* **-шек** ўрмон чети, чеккаси, ёқаси; **вы́йти на ~у** ўрмон ёқасига (четига) чиқмоқ.

ОПУЩЕ́НИЕ *с* 1 *по гл.* **опусти́ть** 1, 2, 4 и **опусти́ться** 1, 2; 2 *мед.* пасайиш, пастроқ тушиб қолиш; **~ желу́дка** ошқозоннинг пастроқ тушиб қолиши (қолганлиги).

ОПЫЛЕ́НИЕ *с* 1 *бот.* чанглаш, чангланиш, уруғланиш, оталаниш; **иску́сственное ~** сунъий чанглаш; **перекрёстное ~** ўз-ўзидан чангланиш; **~ при посре́дстве насеко́мых** ҳашаротлар воситасида чангланиш; 2 *по гл.* **опыли́ть — опыля́ть; ~ виногра́дника се́рой** токка олтингугурт сепиш.

ОПЫЛИВАНИЕ *с по гл.* **опы́ливать; ~ водоёмов се́рой** сув ҳавзаларига олтингугурт сепиш; сув ҳавзаларини олтингугурт билан дорилаш.

ОПЫЛИВАТЕЛЬ *м* чанглатгич (чанглатиб сепиш, дорилаш аппарати).

ОПЫЛИВАТЬ *несов. см.* **опыли́ть** 2.

ОПЫЛИ́ТЕЛЬ *м* 1 чангловчилар, чангловчи омиллар (ҳашаротлар, қушлар, шамол, сув); 2 *то же, что* **опы́ливатель**.

ОПЫЛИ́ТЕЛЬНЫЙ, -ая, -ое чанглашга, чангланишга оид; чанглаш...; чангланиш...; **~ проце́сс** чангланиш (чанглаш) жараёни.

ОПЫЛИТЬ *сов. что* 1 (*несов.* **опыля́ть**) чангламоқ, чанглатмоқ, ўсимлик гулига гулчанг туширмоқ; **иску́сственно ~ я́блони** олма гулини чангламоқ; 2 (*несов.* **опы́ливать**) чанглатмоқ, чанглатиб сепмоқ; **~ я́блони се́рой** олмага олтингугурт сепмоқ.

ОПЫЛИ/ТЬСЯ, -и́тся *сов.* (*несов.* **опыля́ться**) *бот.* чангланмоқ, уруғланмоқ, оталанмоқ; **цветы́ хорошо́ ~лись** гуллар яхши чангланди (уругланди).

ОПЫЛЯ́ТЬ *несов. см.* **опыли́ть** 1.

ОПЫЛЯ́ТЬСЯ, -я́ется *несов.* 1 *см.* **опыли́ться**; 2 *страд. от* **опыля́ть**.

ОПЫТ *м* 1 тажриба, амалда орттирилган билим, маҳорат; **жите́йский ~** ҳаётий тажриба; турмуш тажрибаси; **~ нова́торов произво́дства** ишлаб чиқариш новаторларининг тажрибаси; **обме́н ~ом** тажриба алмашиш; **испытано на ~е** тажрибада (амалда) кўрилган; бошдан ўтказилган; **~ подска́зывает, что...** тажриба шуни кўрсатадики...; 2 *филос.* тажриба; **чу́вственный ~** сезги тажрибаси; 3 тажриба, синов; **~ по фи́зике** физикадан тажриба; **провести́ ~** тажриба (синов) ўтказмоқ; 4 тажриба, биринчи иш, синовга (ўргамчикка) қилинган иш; **э́та карти́на — пе́рвый ~ худо́жника** бу расм — рассомнинг биринчи тажрибаси, бу расм рассомнинг ўргамчик иши.

ОПЫТНИК *м* тажрибачи, тажриба йўли билан бирор нарса етиштирувчи (деҳқон, селекционер).

ОПЫТНИЧЕСКИ/Й, -ая, -ое тажрибачиларга ва тажрибачиликка оид; тажрибачи...; тажрибачилик...; **~е рабо́ты** тажрибачиларнинг ишлари; тажрибачилик ишлари.

ОПЫТНИЧЕСТВО *с* тажрибачилик; **занима́ться ~м** тажрибачилик билан шуғулланмоқ; тажриба йўли билан бирор нарса етиштириш устида ишламоқ.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ОПЫТНО-ПОКАЗА́ТЕЛЬНЫ/Й, -ая, -ое тажриба-намунавий; кўрсатмали тажриба...; ~**е поля́** кўрсатмали тажриба далалари.

ОПЫТНОСТ/Ь *ж* тажрибалилик, тажрибакорлик, омилкорлик, усталик.

ОПЫТН/ЫЙ, -ая, -ое; -тен, -тна 1 тажрибали, тажрибакор, омилкор, уста, моҳир; ~**ый ма́стер** тажрибали уста; ~**ый челове́к** тажрибали одам, омилкор, одам, қўпни кўрган одам; 2 ҳадисини олган, пишиган; ўткир; **у него́ ~ый глаз** унинг кўзи пишиган; 3 тажриба қилинадиган, тажриба ўтказиладиган, тажриба ўтказиш учун белгиланган; тажриба...; ~**ый уча́сток хлопча́тника** тажриба учун белгиланган (ажратилган) пахта участкаси (даласи); ~**ая ста́нция** тажриба станцияси; 4 тажриба (синов) учун ўтказилган (ўтказиладиган); синов...; ~**ый полёт** тажриба учун учиш; синовга учиш, синов учиши; 5 тажрибага асосланган, тажрибадан олинган; тажриба...; ~**ый ме́тод** тажрибага асосланган метод (усул); ~**ые да́нные** тажриба маълумотлари, тажрибадан олинган маълумотлар; **доказа́ть ~ым путём** тажриба йўли билан исботламоқ.

ОПЬЯНЕ́ЛЫЙ, -ая, -ое *разг.* 1 маст бўлган, кайфи ошган, маст, кайфи бор, сархуш; 2 *перен.* хурсандчиликдан (завқ-шавқдан ва ҳ. к.) ўзини, эс-ҳушини йўқотган, маст бўлган, маҳлиё бўлиб қолган, маҳлиё; ~ **от успе́ха** ғалабадан (муваффақиятдан) маст бўлган.

ОПЬЯНЕ́НИ/Е *с* 1 мастлик, сархушлик, кайфи ошиш, ичиб маст бўлиш; **лёгкое ~е** ширакайфлик, сармастлик; **в состоя́нии ~я** мастликда, мастлик билан; **при́знаки ~я** мастлик белгилари; 2 *перен.* ортиқ даражада завқи ошган ҳолат, мастлик, маҳлиёлик; завқ-шавқ; **Му́зыку он [Ра́йский] люби́л до ~я** (И. Гончаров) У [Райский] музикани жондан яхши кўрарди.

ОПЬЯНЕ́ТЬ *сов.* 1 маст бўлмоқ, кайфи ошмоқ, сархуш бўлмоқ; маст бўлиб қолмоқ; 2 *перен.* ортиқ даражада завқланмоқ, завқи ошиб кетмоқ, маст бўлмоқ, маҳлиё бўлиб қолмоқ; ~ **от му́зыки** музикадан ғоят завқланмоқ (маст бўлмоқ).

ОПЬЯНЯ́ТЬ *сов.* (*несов.* **опьяня́ть**) *кого* 1 маст қилмоқ; кайфини оширмоқ, сархуш қилмоқ; 2 *перен.* завқ-шавқини оширмоқ, маст қилмоқ; маҳлиё қилиб қўймоқ; **их ~ли со́лнце и мо́ре** қуёш ва денгиз уларни маст қилган эди.

ОПЬЯНЯ́ТЬ *несов. см.* **опьяни́ть.**

ОПЯ́ТЬ *нареч.* 1 яна, тағин, қайта (дан); **вы ~ пришли́?** сиз яна келдингизми?; **когда́ мы ~ встре́тимся** биз яна қачон учрашамиз?; 2 *прост.* бу сафар ҳам; яна; **и ~ де́нег у меня́ с собо́й нет** бу сафар ҳам ёнимда пул йўқ; ~ **же придётся обрати́ться к врачу́** яна врачга боришга тўғри келади; ✦ ~**-таки** яна, яна бир карра, бундан ташқари; **я ~-таки повторя́ю, что...** мен яна бир карра такрорлайманки...

ОРА́ВА *ж разг.* тўда, гала, тўп, гуруҳ; ~ **ребя́тишек** болалар тўдаси; бир тўда бола; **це́лая** ~ бир гала; **нагря́нули всей ора́вой** ҳаммаси бир тўда бўлиб келиб қолди.

ОРА́КУЛ *м* 1 оракул (антик даврда: гўё худонинг иродасини биладиган, ҳар қандай саволга тангри номидан жавоб берадиган коҳинлар ва уларнинг ибодатхонаси); 2 *перен.* каромат қилувчи (башорат берувчи) одам; 3 *уст.* фолнома, фол китоби.

ОРА́Л/О *с уст.* омоч; ✦ **перекова́ть мечи́ на** ~**а** *высок.* қиличдан омочга тиш қўймоқ, қилични эритиб омочга тиш қилмоқ (яъни урушга кетадиган харажатларни тинчлик, фаровонлик учун сарфламоқ).

ОРАНГУ́ТАН *м* орангутан (одамсимон йирик маймун).

ОРА́НЖЕВ/ЫЙ, -ая, -ое тўқ сариқ, апельсин ранг; **шёлк ~ого цве́та** тўқ сариқ ипак, тўқ сариқ шойи.

ОРАНЖЕРЕ́ЙН/ЫЙ оранжереяга оид; оранжерея...; ~**ая температу́ра** оранжерея температураси, оранжереядаги ҳарорат; ~**ый цвето́к** оранжерея гули, оранжереяда ўсган (ўстирилган) гул; ✦ ~**ое расте́ние** *ирон.* сояда ўсган (сояпарвар), нимжон одам, нозик-ниҳол.

ОРАНЖЕРЕ́Я *ж* оранжерея.

ОРА́ТАЙ *м уст.* ер ҳайдовчи, қўшчи, деҳқон.

ОРА́ТОР *м* 1 нотиқ, нутқ сўзловчи; ваъзхон; 2 гапга уста (сўзамол) одам, нотиқ, фасиҳ.

ОРАТОРИА́ЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое *муз.* ораторияга оид; оратория...; ~**ое иску́сство** оратория санъати.

ОРАТО́РИЯ *ж муз.* оратория (хор ёки оркестр учун ёзилган йирик музика асари); ~ **Ге́нделя** Гендель ораторияси.

ОРАТОРН/ЫЙ, -ая, -ое *муз.* ораторияга оид; оратория...; ~**ое либре́тто** оратория либреттоси.

ОРА́ТОРСК/ИЙ, -ая, -ое нотиққа, нотиқликка оид; нотиқлик...; ~**ое иску́сство** нотиқлик санъати.

ОРА́ТОРСТВО *с разг.* 1 нутқ сўзлаш, нотиқлик; ваъзхонлик; 2 гапга усталик, сўзамоллик, нотиқлик, фасиҳат.

ОРА́ТОРСТВОВАТЬ *несов. разг. ирон.* ваъзхонлик қилмоқ, гапдонлик (маҳмадоналик) қилмоқ; узоқ гапирмоқ, гап сотмоқ, сафсатабозлик қилмоқ.

ОРА́ТЬ I *несов. разг.* 1 бақирмоқ, шанғилламоқ, бўкирмоқ; ҳанграмоқ; 2 *на кого* жеркмоқ, жекирмоқ, қаттиқ (бақириб) гапирмоқ, бақирмоқ, ўшқирмоқ, ўдағайламоқ; **что ты на меня́ ора́ешь?** нега менга бақирасан (жекирасан)?; 3 *что* бақириб ашула айтмоқ, овозини баралла қўйиб қўшиқ айтмоқ; ~ **плясову́ю** рақс ашуласини бақириб куйламоқ.

ОРА́ТЬ II *несов. уст.* ер ҳайдамоқ, қўш ҳайдамоқ.

ОРБИ́Т/А *ж* 1 *астр.* орбита (самовий жисмларнинг ҳаракат йўли); ~**а Луны́** Ой орбитаси; **вы́вести косми́ческий кора́бль на ~у** космик кемани орбитага чиқармоқ; 2 *перен.* таъсир доираси; муҳит; **втяну́ть** *кого-л.* **в свою́ ~у** кимсани ўз муҳитига тортмоқ, ўз таъсирига олмоқ; ~**а влия́ния** таъсир доираси; 3 *анат.* кўз косаси, кўз чаноғи.

ОРБИТА́ЛЬНЫЙ, -ая, -ое орбитага оид, орбитада (орбита бўйлаб) қилинадиган, орбитал; орбита...; ~ **полёт** орбитал учиш, орбита бўйлаб учиш.

ОРГА́Н *м* 1 *биол.* аъзо, орган, муча; ~**ы зре́ния** кўриш органлари (аъзолари); ~**ы вку́са** маза билиш органлари (аъзолари); ~**ы слу́ха** эшитиш органлари (аъзолари); ~**ы расте́ний** ўсимликларнинг органлари (аъзолари); 2 идора, ташкилот, орган; **фина́нсовые ~ы** молия идоралари; ~**ы исполни́тельной вла́сти** ҳокимиятнинг ижроия органлари; 3 орган (газета, журнал ва ш. к.); **«Литерату́рная газе́та»— ~ Правле́ния Сою́за писа́телей СССР** «Литературная газета»— СССР Ёзувчилар Союзи правлениесининг органи; 4 *тех.* қисм, орган; ~**ы настро́йки** созловчи қисмлар; ~**ы управле́ния** бошқарув қисми, бошқарув органи; 5 *перен. чего* қурол, восита; дастак; **газе́та — боево́й ~ полити́ческого воспита́ния масс** газета оммани сиёсий руҳда тарбияловчи жанговар қуролдир.

ОРГА́Н *м муз.* орган (клавиатура ва ҳаво найчалари бўлган катта роялсимон музика асбоби).

ОРГАНИЗА́ТОР *м* 1 ташкилотчи, уюштирувчи; ташаббускор; **Коммунисти́ческая па́ртия — вдохнови́тель и ~ на́ших побе́д** Коммунистик партия ғалабаларимизнинг илҳомчиси ва ташкилотчисидир; ~**ы социалисти́ческого соревнова́ния** социалистик мусобақа ташкилотчилари (ташаббускорлари); 2 ташкилотчилик қобилиятига эга шахс, ташкилотчи; **он тала́нтливый** ~ у талантли ташкилотчи.

ОРГАНИЗА́ТОРСК/ИЙ, -ая, -ое ташкилотчиликка оид, ташкилотчилик...; ташаббускорлик...; ~**ий тала́нт** ташкилотчилик таланти; ~**ая де́ятельность** ташкилотчилик фаолияти, ташкилотчилик, ташаббускорлик.

ОРГАНИЗАЦИО́ННЫ/Й, -ая, -ое ташкилий, ташкил қилувчи, уюштирувчи; ташкил этиш (уюштириш) ёки ташкил топиш билан боғлиқ бўлган; ~**й комите́т** ташкилий комитет; ~**е вопро́сы** ташкилий масалалар; ~**й пери́од** ташкилий давр; ~**е мероприя́тия** ташкилий чоралар.

ОРГАНИЗА́ЦИЯ *ж* 1 ташкил қилиш, уюштириш, тузиш; жалб этиш; ~ **конфере́нции** конференция уюштириш; ~ **кружка́** тўгарак ташкил қилиш; ~ **произво́дственного проце́сса** ишлаб чиқариш жараёнини ташкил қилиш; ~ **населе́ния на борьбу́ с се́лем** аҳолини селга қарши курашга жалб этиш; 2 ташкилий форма, тузилиш, структура; **недоста́тки в организа́ции** тузилишдаги камчиликлар, ташкилий структура камчиликлари; ~ **погру́зочно-разгру́зочных рабо́т** юклаш, юк тушириш ишларининг структураси (тузилиши); 3 *то же, что* **организо́ванность;— Сейча́с для нас**

www.ziyouz.com kutubxonasi

важны́ поря́док, стальна́я ~ в тылу́ (Ажаев) — Ҳозир биз учун фронт ичкарисида тартиб ва пўлатдек мустаҳкам уюшқоқлик муҳимдир; 4 ташкилий тузилиш, структура; **куста́рная ~ произво́дства** ишлаб чиқаришнинг кустарча тузилиши; **нау́чная организа́ция труда́** (НОТ) меҳнатни илмий ташкил этиш; 5 гавда тузилиши, вужуд, тан, одам; **сла́бая ~** нимжон (заиф) одам; 6 ташкилот, идора, муассаса; **парти́йная ~** партия ташкилоти; **молодёжная ~** ёшлар ташкилоти; **прое́ктная ~** лойиҳалаш муассасаси.

ОРГАНИ́ЗМ *м* 1 организм (ҳар қандай жон эгаси); **просте́йшие ~ы** энг оддий (содда) организмлар; **живо́тные ~ы** ҳайвонлар; **расти́тельные ~ы** ўсимликлар; 2 организм, вужуд, тан; **кре́пкий ~** бақувват организм; **здоро́вый ~** соғ тан; 3 мураккаб бирлик, тузилиш, ташкилот; **обще́ственный ~** ижтимоий бирлик.

ОРГАНИЗО́ВАННО *нареч.* уюшқоқлик билан, ташкилий (тартибли) равишда, ҳамжиҳатлик билан, ҳамжиҳат; **де́йствовать ~** уюшқоқлик билан (ҳамжиҳат) ҳаракат қилмоқ.

ОРГАНИЗО́ВАННОСТЬ *ж* 1 уюшқоқлик, ҳамжиҳатлик, бирлик, тартиблилик; **~ де́йствий** ҳаракатда ҳамжиҳатлик (бирлик); ҳамжиҳатлик билан қилинган ҳаракат; **~ рабо́чего кла́сса** ишчилар синфининг бирлиги (уюшқоқлиги); 2 йиғноқлик, тартиблилик; **он отлича́ется ~ю** у ўзининг тартиблилиги (йиғноқлик) билан бошқалардан ажралиб туради.

ОРГАНИЗО́ВАНН/ЫЙ, -ая, -ое 1 *прич. от* **организова́ть**; 2 *в знач. прил.* уюшган, ташкил этилган; уюшқоқлик (ҳамжиҳатлик) билан амалга ошадиган (ошириладиган), тартибли; **~ая борьба́** уюшқоқлик (ҳамжиҳатлик) билан олиб бориладиган кураш; **в ~ом поря́дке** тартиб билан; тартибли равишда; 3 *в знач. прил.* уюшган, бирлашган, жипслашган; ҳамжиҳат; иноқ; **~ый пролетариа́т** бирлашган (уюшган) пролетариат; 4 *в знач. прил.* йиғноқ, тартибли; **~ый учени́к** йиғноқ (тартибли) ўқувчи.

ОРГАНИЗОВА́ТЬ, -зу́ю, -зу́ешь *сов.* и *несов.* 1 *что* ташкил қилмоқ, уюштирмоқ, тузмоқ; **~ колхо́з** колхоз тузмоқ; **~ о́бщество** жамият ташкил қилмоқ; 2 *что* ташкил қилмоқ, йўлга қўймоқ, тартибга солмоқ; ўтказмоқ; уюштирмоқ; **~ планоме́рный выпуск проду́кции** планли маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўймоқ; **~ социалисти́ческое соревнова́ние** социалистик мусобақа ташкил қилмоқ (уюштирмоқ); **~ пресс-конфере́нцию** пресс-конференция ўтказмоқ (уюштирмоқ); 3 *кого-что* бирлаштирмоқ, жипслаштирмоқ, уюштирмоқ, сафарбар (жалб) қилмоқ; **~ крестья́нство в колхо́зы** деҳқонларни колхозларга бирлаштирмоқ (уюштирмоқ); **~ма́ссы на борьбу́ за высо́кий урожа́й** оммани юқори ҳосил учун курашга жалб қилмоқ; 4 *что* тартиб ўрнатмоқ, тартибга солмоқ, уюштирмоқ, ташкил қилмоқ; **пра́вильно ~ рабо́чий день** иш кунини тўғри ташкил қилмоқ; **~ своё вре́мя** ўз вақтини тартибга солмоқ.

ОРГАНИЗОВА́/ТЬСЯ, -зу́юсь, -зу́ешься 1 *сов.* и *несов.* ташкил бўлмоқ, ташкил топмоқ, вужудга (майдонга) келмоқ, тузилмоқ, барпо бўлмоқ; **у нас ~лся но́вый клуб** бизда янги клуб тузилди (вужудга келди); 2 *сов.* и *несов.* бирлашмоқ, уюшмоқ, жипслашмоқ, тўпланмоқ; **~ться в отря́д** отрядга уюшмоқ (бирлашмоқ); **крестья́не ~лись в сельхозарте́ль** деҳқонлар колхозга (қишлоқ хўжалик артелига) уюшдилар (бирлашдилар); **~ться на борьбу́ с враго́м** душманга қарши курашиш учун бирлашмоқ; 3 *несов. страд. от* **организова́ть**.

ОРГАНИЗО́ВЫВАТЬ *несов. то же, что* **организова́ть**.

ОРГАНИЗО́ВЫВАТЬСЯ *несов.* 1 *то же, что* **организова́ться**; 2 *страд. от* **организо́вывать**.

ОРГАНИ́КА *ж разг.* 1 органика, органик химия; 2 *собир.* органик ўғитлар (гўнг, суяк уни ва ш. к.).

ОРГАНИ́СТ *м* органчи, орган чалувчи созанда.

ОРГАНИ́СТКА *ж, р. мн.* **-ток** *см.* **органи́ст**.

ОРГАНИ́ЧЕСКИ *нареч.* узвий равишда, узвий; **~ свя́занные явле́ния** узвий (узвий равишда) боғланган ҳодисалар.

ОРГАНИ́ЧЕСК/ИЙ I, -ая, -ое органик, жонли, тирик; **~ий мир** органик дунё, тирик организм дунёси; **~ая приро́да** тирик (жонли) табиат; **~ие оста́тки** органик қолдиқлар, ҳайвон ва ўсимликлар қолдиғи; **~ая хи́мия** органик химия.

ОРГАНИ́ЧЕСК/ИЙ II, -ая, -ое 1 *анат.* организмга оид, организм билан боғлиқ бўлган, органик; **~ие измене́ния в лёгких** ўпкада юз берган органик ўзгаришлар; 2 *перен.* ажралмас, узвий; **~ое еди́нство тео́рии и пра́ктики** назария билан амалиётнинг органик (узвий, ажралмас) бирлиги; **~ая часть** *чего-л.* бирор нарсанинг узвий (ажралмас) қисми; 3 кимсанинг табиатига боғлиқ бўлган, табиатида бор, табиатан, жинидан; **испы́тывать ~ую неприя́знь** *к кому-л.* бирор кимсани жинидан (табиатан) ёқтирмаслик.

ОРГАНИ́ЧН/ЫЙ, -ая, -ое; -чен, -чна табиий, узвий; **тя́га к культу́ре у люде́й ~а** маданиятга интилиш кишиларда табиий бир ҳолатдир.

ОРГА́НН/ЫЙ, -ая, -ое *муз.* органга оид; орган...; **~ая му́зыка** орган музикаси; **~ые меха́** орган дами; **~ый конце́рт** орган концерти, орган ижросидаги концерт.

ОРГАНОПЛА́СТИКА *ж мед.* органопластика (шикастланган ёки иллатли аъзони хирургик йўл билан тиклаш; шу мақсадда бирор органни ёки тўқимани хирургик йўл билан кўчириш).

ОРГАНОТЕРАПИ́Я *ж мед.* органотерапия (ҳайвон органидан тайёрланган дорилар билан даволаш).

ОРГА́НЧИК *м муз.* 1 *уменьш. от* **орга́н** кичкина орган, органча; 2 органчик (бураб чалинадиган турли музика асбобларининг умумий номи).

ОРГВЫВОДЫ *мн.* (организацио́нные вы́воды) ташкилий хулосалар (бирор ишни, қарорни амалга ошириш учун кўриладиган конкрет чора-тадбирлар).

ОРГИ/Я *ж* 1 оргия (Юнонистонда: ичкилик ва кайф-сафо худоси Вакх — Дионис шарафига ўтказилган байрам); 2 *перен.* ичкилик базми, айш, айш-ишрат, кайф-сафо; **устро́ить ~ю** ишрат қурмоқ.

ОРГНАБО́Р *м* (организо́ванный набо́р) ташкилий равишда ишга ёллаш, ёлланиш; **уе́хать на Се́вер по ~у** ташкилий равишда ёлланиб Шимолга ишга кетмоқ.

ОРГОТДЕ́Л *м* (организацио́нный отде́л) ташкилот бўлими.

ОРГСТЕКЛО́ *с* (органи́ческое стекло́) *то же, что* **плексигла́с**.

ОРГТЕ́ХНИКА *ж* (организацио́нная те́хника) оргтехника (инженерлик ва бошқарув ишларини механизациялаштирувчи ва автоматлаштирувчи техника воситалари).

ОРД/А *ж, мн.* **о́рды** 1 *ист.* ўрда (қадимий турк-мўғул ҳокимияти ёки давлати); **Золота́я ~а́** Олтин ўрда; **Кры́мская ~а́** Қрим ўрдаси, Қрим ўрда; 2 *ист.* татар-мўғул қўшини, қўшинлари; **наше́ствие ~ы** татар-мўғул қўшинларининг босқини; 3 *перен.* оломон, гала, тўда; **разгро́м ги́тлеровских ~** гитлерчи галаларнинг тор-мор этилиши.

ОРДА́ЛИЯ *ж* қизиган темир босиш (ўрта асрларда: айбдорлигини бўйнига қўйиш учун қўлланган қийноқ усули).

ОРДЕН *м* 1 *мн.* **ордена́** орден, нишон; **~ Ле́нина** Ленин ордени; **~ Октя́брьской револю́ции** Октябрь революцияси ордени; **~ Сла́вы** Шуҳрат ордени; **~ «Знак Почёта»** «Ҳурмат белгиси» ордени; **предста́вить к ~у** орденга тақдим қилмоқ; **награди́ть ~ом** орден билан мукофотламоқ; 2 *мн.* **о́рдены** и **ордена́** орден, жамоа (ўрта асрларда: рицар-монахлар жамоаси, ташкилоти); **~ иезуи́тов** иезуитлар (язитлар) ордени; 3 *мн.* **о́рдены** и **ордена́** махфий диний ташкилот, жамият; **масо́нский ~** масонлар жамияти; 4 *мн.* **о́рдены** и **ордена́** *архит. то же, что* **о́рдер** 2.

ОРДЕНОНО́СЕЦ *м, р.* **-сца** орденли, нишондор; **писа́тель-~** орденли (нишондор) ёзувчи; **завод-~** орденли (нишондор) завод.

ОРДЕНОНО́СКА *ж, р. мн.* **-сок** *разг. см.* **орденоно́сец**.

ОРДЕНСК/ИЙ, -ая, -ое орденга оид; орден...; **~ая ле́нта** орден лентаси; **~ий уста́в** орден устави.

ОРДЕР *м* 1 *мн.* **ордера́** ордер (ёзма буйруқ, фармон, рухсат қоғози); **~ на кварти́ру** квартира олиш учун ордер; **~ на аре́ст** қамоққа олиш учун ордер; **расхо́дный ка́ссовый ~** кассадан харажат учун пул олиш ордери; 2 *мн.* **о́рдеры** и **ордера́** *архит.* ордер (устун ҳамда унинг усти ва остидаги безаклар композицияси); **класси́ческие ~а́** классик ордерлар; **дори́ческий ~** дорий ордери.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ОРДИНАР *м спец.* ординар (сув сатҳининг бир неча йил давомидаги ўртача баландлиги).

ОРДИНАРЕЦ *м, р.* **-рца** ординарец (1 командир топшириқларини бажарувчи, алоқачи солдат; 2 *уст.* қўмондон ҳузуридаги турли топшириқларни бажарувчи офицер).

ОРДИНА́РН/ЫЙ, -ая, -ое; -рен, -рна 1 *книжн.* ўртача, ўрта-миёна, оддий, жўн; **~ый студе́нт** ўртача студент; **~ая вне́шность** оддий кўриниш; оддий ташқи қиёфа; **~ые спосо́бности** ўрта-миёна қобилият; 2 *уст.* штатдаги, штат бўйича бор бўлган; **~ый профе́ссор** штатдаги профессор.

ОРДИНА́ТА *ж мат.* ордината (нуқтанинг текисликдаги ёки фазодаги вазиятини кўрсатувчи координаталардан бири).

ОРДИНА́ТОР *м* ординатор (касалхона, клиникада даволовчи врач).

ОРДИНА́ТОРСКАЯ *ж, р.* **-ой** ординаторлар (врачлар) хонаси.

ОРДИНАТУ́РА *ж мед.* 1 ординатура (амалий ишда ўтиладиган аспирантура); 2 ординатура, ординаторлик мансаби ёки лавозими; 3 *уст.* штатли профессорлик лавозими.

ОРДЫНСК/ИЙ, -ая, -ое *ист.* ўрдага оид, ўрда...; **~ая столи́ца** ўрда пойтахти.

ОРЕЛ *м, р.* **орла́** 1 бургут; **степно́й ~** чўл бургути, қорақуш; **~-могильник** қиронқора; 2 *перен.* азамат, шунқор.

ОРЕОЛ *м* 1 ореол, ёруғлик гардиши; **~ вокру́г Луны** Ой атрофидаги ёруғлик гардиши; 2 *церк.* нур чамбар, зарҳал доира (санам атрофидаги); 3 *перен.* **чего** или *какой высок.* қучоқ, оғуш; **в ~е сла́вы** шон-шараф оғушида, шон-шарафларга кўмилиб; 4 *фото* ореол, ёруғ доира (фотоплёнкада ёруғ нуқта атрофида ҳосил бўладиган ёруғ доира).

ОРЕ́Х *м* 1 ёнғоқ, ёнғоқ мағизи; **гре́цкий ~** ёнғоқ; **кокоссовый ~** кокос ёнғоғи; **шокола́д с ~ом** ёнғоқли (ёнғоқ қўшилган) шоколад; 2 ёнғоқ дарахти; ёнғоқ кўчати; **поса́дка ~а** ёнғоқ кўчат экиш; 3 ёнғоқ ёғочи; **кре́сло из ~а** ёнғоқ ёғочидан ясалган кресло, ёнғоқ кресло; ✦ **земляно́й ~** арахис, ерёнғоқ; **на ~и** (бу́дет, доста́нется) *разг.* ҳали кунини кўради, таъзирини (адабини) ейди, роса гап (сўкиш) эшитади; **разде́лать (или отде́лать) под ~** *кого разг.* таъзирини (адабини) бериб қўймоқ, қаттиқ уришмоқ, қойимоқ, астар-пахта қилмоқ, пўстагини қоқмоқ.

ОРЕ́ХОВКА *ж, р. мн.* **-вок** *то же, что* **кедро́вка.**

ОРЕ́ХОВ/ЫЙ, -ая, -ое 1 ёнғоққа оид; ёнғоқ...; **~ая скорлупа́** ёнғоқ пўчоғи; **~ая ро́ща** ёнғоқзор; **~ое де́рево** ёнғоқ дарахти; 2 ёнғоқли, ёнғоқ солинган; **~ый торт** ёнғоқли торт, ёнғоқ солинган торт; 3 ёнғоқдан (ёнғоқ ёғочидан) қилинган; ёнғоқ...; **~ стол** ёнғоқ стол; 4 *в знач. сущ.* **~ые** *мн. бот.* ёнғоқлар оиласи, ёнғоқгуллилар.

ОРЕ́ШЕК *м, р.* **-шка** *уменьш. от* **оре́х** кичкина ёнғоқ, ёнғоқча; ✦ **кре́пкий (твёрдый, тру́дный) ~** тиш ўтмайдиган нарса, эпга солиб (уддалаб) бўлмайдиган одам ҳақида.

ОРЕ́ШИНА *ж то же, что* **оре́шник.**

ОРЕ́ШНИК *м* ўрмон ёнғоғи (бутасимон ўсимлик).

ОРЕ́ШНИКОВЫ/Й, -ая, -ое ўрмон ёнғоқзорига (бутазорига) оид, ўрмон ёнғоқзори...; **~е за́росли** ўрмон ёнғоғи чакалакзори.

ОРИГИНА́Л *м* 1 оригинал, асл нусха; **~ карти́ны** расмнинг асл нусхаси; 2 оригинал (таржима асарнинг асли); **прове́рить перево́д по ~у** таржимани оригинал билан (аслига) солиштирмоқ; 3 *полигр.* қўл ёзма, асл нусха, оригинал; **вы́читать по ~у** қўл ёзма билан таққослаб ўқимоқ; **набо́р с ~а** асл нусхадан набор қилиш (ҳарф териш); 4 *разг.* ўзига хос табиатли (қизиқ, ғалати) одам; ажойиб одам; **он слывёт ~ом** у ғалати одам бўлиб танилган, у ажойиб одам деб ном чиқарган; **ты — большо́й ~** сен жуда қизиқ одамсан.

ОРИГИНА́ЛКА *ж, р. мн.* **-лок** *см.* **оригина́л** 4.

ОРИГИНА́ЛЬНИЧАНЬЕ *с разг. по гл.* **оригина́льничать.**

ОРИГИНА́ЛЬНИЧАТЬ *несов. разг.* ғалати (бошқалардан ўзгача) қилиқлар қилмоқ, қизиқ ҳаракатлар билан ўзига қаратмоқ.

ОРИГИНА́ЛЬНЫ/Й, -ая, -ое; -лен, -льна 1 оригинал, асл; **~й экземпля́р ру́кописи** қўл ёзманинг асл нусхаси; 2 оригинал, ўзига мустақил, мустақил равишда ишланган, юзага келган; **~е произведе́ния** оригинал асарлар; 3 ўзига хос, бошқаларга ўхшамайдиган, ўзгача, бошқача, ажойиб; **~й за́мысел** ажойиб фикр; **прое́кт теа́тра оригина́лен** театр проекти жуда ғалати (ўзгача); **~й стиль** ўзига хос услуб; 4 қизиқ, ғалати; **~е мане́ры** қизиқ (ғалати) қилиқлар.

ОРИЕНТАЛИ́ЗМ *м* 1 ориентализм, Шарқ маданиятини ўрганиш, унга қизиқиш, таассуб қилиш; 2 Шарққа хослик.

ОРИЕНТАЛИ́СТ *м* ориенталист, шарқшунос.

ОРИЕНТАЛИ́СТИКА *ж* ориенталистика, шарқшунослик.

ОРИЕНТА́ЛЬНЫЙ, -ая, -ое Шарққа хос бўлган, шарқий; Шарқ...; **~ стиль** Шарққа хос услуб.

ОРИЕНТА́ЦИЯ *ж* 1 ориентация, ориентир олиш, ориентирланиш, ўзининг турган жойини (йўналишни) аниқлаш; **~ в лесу́** ўрмонда ориентир олиш, ўрмонда ўзининг турган жойини аниқлаш; **~ по со́лнцу** қуёшга қараб ориентир олиш; қуёшга қараб ўзининг турган жойини, йўналишни аниқлаш; 2 *перен.* хабардорлик, паст-баландини яхши билиш, тушуниш; **~ в междунаро́дной обстано́вке** халқаро аҳволдан хабардорлик; 3 *перен.* бирор кимса ёки нарсани мўлжаллаб (кўзда тутиб) иш қилиш; бир нарсага, кимсага қараб (унга мослаб, мослашиб, эргашиб) иш тутиш; **~ на ма́ссового чита́теля** оммавий ўқувчига мўлжаллаб ёзиш; **~ на испо́льзование вну́тренних резе́рвов** ички имкониятлардан фойдаланишни кўзда тутиб иш қилиш.

ОРИЕ́НТИР *м* ориентир (турган жойни, йўналишни кўрсатувчи белги, нишон); **есте́ственные ~ы** табиий ориентирлар; **земны́е ~ы** ердаги ориентирлар (дарахт, шамол тегирмон, тепалик ва ш. к.); **небе́сный ~** осмондаги ориентир (ой, юлдуз ва ш. к.); **идти́ по ~у** ориентирга қараб бормоқ, ҳаракат қилмоқ; **Бугро́р э́тот служи́л хоро́шим ~ом для всех самолётов, возвраща́вшихся на аэродро́м** (Н. Чуковский) Бу тепалик аэродромга қайтаётган ҳамма самолётлар учун яхши ориентир эди.

ОРИЕНТИ́РН/ЫЙ, -ая, -ое ориентирли, ориентирлар кўрсатилган; **~ая ка́рта** ориентирли карта.

ОРИЕНТИ́РОВАНИЕ *с то же, что* **ориента́ция.**

ОРИЕНТИ́РОВАТЬ *сов.* и *несов.* 1 *кого-что* **йўлламоқ,** йўл кўрсатмоқ; турган жойини (йўналишни) аниқлаш учун ёрдам бермоқ; 2 ориентирламоқ, тўғриламоқ, мосламоқ (мас., картани); **~ ка́рту по ко́мпасу** картани компасга мосламоқ, компасдан фойдаланиб картани ориентирламоқ (шимолини шимолга тўғриламоқ); 3 *перен. кого в чём* тушунишга ёрдам бермоқ; таништирмоқ, паст-баландини тушунтирмоқ; **~ *кого-л.* в вопро́сах поли́тики** кимсага сиёсат масалаларини тушуниш учун ёрдам бермоқ; **~ *кого-л.* в обстоя́тельствах де́ла** кимсага ишнинг паст-баландини тушунтирмоқ; 4 *перен. кого-что на что* бирор мақсадга қаратмоқ, бирор нарсани кўзда тутиб (мўлжалга олиб) иш қилмоқ; **~ прое́кт на испо́льзование приро́дного га́за** лойиҳани табиий газдан фойдаланишни кўзда тутиб тузмоқ.

ОРИЕНТИ́РОВАТЬСЯ *сов.* и *несов.* 1 ориентирланмоқ, ориентир олмоқ, ўзининг турган жойини, йўналишни аниқламоқ, билмоқ; **~ по звёздам** юлдузларга қараб ориентир олмоқ, юлдузларга қараб турган жойини, йўналишни аниқламоқ, йўл топмоқ; **я пло́хо ориенти́руюсь в незна́ко́мом го́роде** мен нотаниш шаҳарда йўл топишга қийналаман; 2 *перен.* паст-баландини яхши билмоқ, тушунмоқ, паст-баландидан, масалаларидан хабардор бўлмоқ; **хорошо́ ~ в литерату́ре** адабиёт масалаларидан яхши хабардор бўлмоқ; 3 *перен. на кого-что* бирор кимса ёки нарсани мўлжаллаб (кўзда тутиб) иш қилмоқ; бирор кимсага, нарсага қараб (унга мослаб, мослашиб, эргашиб) иш тутмоқ; **~ на потреби́теля** истеъмолчиларнинг талабларини назарда тутиб (ҳисобга олиб) иш тутмоқ; **~ на передовико́в** илғорларга қараб иш тутмоқ, илғорларга эргашиш; 4 *несов. страд. от* **ориенти́ровать** 1, 4.

ОРИЕНТИРОВО́ЧНО *нареч.* тахминан, чама билан, чамаси; **до ле́са ~ три киломе́тра** ўрмонгача тахминан уч километр.

ОРИЕНТИРОВО́ЧН/ЫЙ, -ая, -ое 1 ориентирлаш (ориентир олиш) учун хизмат қиладиган; ориентир олиш учун

www.ziyouz.com kutubxonasi

қилинган (қилинадиган); ориентирлаш...; ориентир олиш...; **~ые полёты** ориентир олиш учун қилинган парвозлар; **~ый пункт** ориентирлаш пункти; 2 тахминий; дастлабки; **~ые сро́ки** ориентирлаш (дастлабки) муддатлар; **~ая сто́имость** тахминий баҳо(си); **~ые подсчёты** тахминий ҳисоб-китоб.

ОРКЕ́СТР *м* 1 оркестр; **духово́й ~** духовой оркестр; **стру́нный ~** торли оркестр; **симфони́ческий ~** симфоник оркестр; **полково́й ~** полк оркестри; **~ наро́дных инструме́нтов** халқ чолғу асбоблари оркестри; 2 оркестр (музикачилар) ўтирадиган жой.

ОРКЕСТРА́НТ *м* оркестр музикачиси.

ОРКЕСТРА́НТКА *ж, р. мн.* **-ток** *см.* **оркестра́нт.**

ОРКЕСТРА́НТСКИЙ, -ая, -ое оркестр музикачисига оид.

ОРКЕСТРОВА́ТЬ, -ру́ю, -ру́ешь *сов.* и *несов. что муз.* оркестрлаштирмоқ (1 оркестр музикасининг партитурасини ёзмоқ; **~ о́перу** опера музикасининг партитурасини ёзмоқ; 2 оркестр музикасига солмоқ, оркестрда ижро этишга мосламоқ; **~ фортепья́нную пье́су** фортепьяно учун ёзилган пьесани оркестрга солмоқ).

ОРКЕСТРО́ВКА *ж по гл.* **оркестрова́ть; ~ ва́льса** вальсни оркестрлаштириш (оркестрга солиш).

ОРКЕ́СТРОВ/ЫЙ, -ая, -ое оркестрга оид, оркестр учун белгиланган; оркестр...; **~ое звуча́ние** оркестр садоси; **~ая му́зыка** оркестр музикаси; **~ое сопровожде́ние** оркестр жўрлиги.

ОРЛА́Н *м зоол.* сувбургут.

ОРЛЕ́НОК *м, р.* **-нка,** *мн.* **орля́та** бургут боласи, бургутча.

ОРЛИ́Н/ЫЙ, -ая, -ое 1 бургутга оид; бургут...; **~ое гнездо́** бургут уяси; **~ый клюв** бургут тумшуғи; 2 *перен.* виқорли; тешиб ўтгудай ўткир (кўз ва кўз қараши ҳақида); **~ый взгляд** бургутга ўхшаб қараш; тешиб ўткудай қараш; **~ые о́чи** ўткир (тешиб ўткудай) кўзлар; ✦ **~ый нос** қирғий бурун, дўнг бурун.

ОРЛИЦА́ *ж* мода бургут, бургутнинг модаси, урғочиси.

ОРЛЯК *м, р.* **-а́** *бот.* қирққулоқларга мансуб ўтларнинг бир тури.

ОРЛЯ́НКА *ж* осмонга танга отиш (қимор тури).

ОРНАМЕ́НТ *м* 1 орнамент, нақш, гул; **живо́тный ~** ҳайвон сурати солинган нақш; **расти́тельный ~** ўсимлик сурати солинган нақш; **стари́нные узбе́кские ~ы** қадимий ўзбек нақшлари; 2 *муз. то же, что* **орнаме́нтика** 2.

ОРНАМЕНТА́ЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое 1 *иск.* орнаментга, нақшга оид; орнаментал, нақшли, нақшланган, нақшин; орнаментдан, нақшдан иборат бўлган; нақшлаш...; **~ые рабо́ты** нақш солиш (нақшлаш) ишлари, наққошлик; **~ая ро́спись** орнаментал безаклар; 2 *лит.* серҳашам, ҳашамдор, жимжимадор; **~ая про́за** жимжимадор (серҳашам) проза.

ОРНАМЕНТА́ЦИЯ *ж иск.* 1 орнамент (нақш) солиш, орнамент (нақш) билан безаш, нақшлаш; **~ ваз** вазаларга нақш солиш, вазаларни нақшлаш; 2 орнаментация, орнаментлар (нақшлар) мажмуи, услуби, системаси.

ОРНАМЕ́НТИКА *ж* 1 *то же, что* **орнаментация** 2; 2 *муз.* орнаментика (мусиқий товушлар, безаклар мажмуи).

ОРНАМЕНТИ́РОВАНИЕ *с по гл.* **орнаменти́ровать; ~ за́ла** зални нақш солиб безаш, зални нақшлаш.

ОРНАМЕНТИ́РОВАТЬ *сов.* и *несов. что* орнамент солмоқ, нақш солмоқ; нақш солиб безамоқ, нақшламоқ; **~ потолки́** шифтларга нақш солмоқ, шифтларни нақшламоқ.

ОРНИТО́ЛОГ *м* орнитолог, паррандашунос.

ОРНИТОЛОГИ́ЧЕСКИЙ, -ая, -ое орнитологияга, паррандашуносликка оид, орнитологик; орнитология...; **~ музе́й** орнитология музейи.

ОРНИТОЛО́ГИЯ *ж* орнитология, паррандашунослик.

ОРОБЕ́ЛО *нареч.* қўрқиб, ҳайиқиб, юраги дов бермай, қўрқа-писа; **~ смотре́ть по сторона́м** қўрқа-писа атрофга қарамоқ (аланглamоқ).

ОРОБЕ́ЛЫЙ, -ая, -ое қўрққан, ҳайиққан, юрак олдирган, қўрқувли; **~ взгляд** қўрқиб (қўрқа-писа) қараш; қўрқувли қараш.

ОРОБЕ́ТЬ *сов.* (*несов.* **робе́ть**) қўрқмоқ, ҳайиқмоқ, юрак олдирмоқ, юраги дов бермаслик; **~ перед незнако́мыми** нотаниш кишиларни кўриб ҳайиқмоқ.

ОРОГОВЕ́/ТЬ, -е́ет *сов.* дағал (без) бўлиб қолмоқ, қотиб кетмоқ (тери ҳақида); **пя́тки ~ли** товонлар қотиб (қадоқ бўлиб) кетди (кетибди).

ОРОГРАФИ́ЧЕСК/ИЙ, -ая, -ое орографияга оид, орографик; орография...; **~ая ка́рта** орографик карта.

ОРОГРА́ФИЯ *ж* орография (физик географиянинг ер юзи тузилишини, рельефини ўрганадиган бўлими).

ОРОСИ́ТЕЛЬ *м* суғориш канали, ариқ.

ОРОСИ́ТЕЛЬНЫ/Й, -ая, -ое суғоришга оид, суғорадиган, суғориш учун хизмат қиладиган; суғориш... **~й кана́л** суғориш канали; **~е рабо́ты** суғориш ишлари; **~е сооруже́ния** суғориш иншоотлари.

ОРОСИ́/ТЬ, -ошу́, -оси́шь *сов.* (*несов.* **ороша́ть**) 1 *кого-что* суғормоқ, сув қуймоқ, сув (нам) бермоқ; ҳўлламоқ, намлантирмоқ; **роса́ ~ла траву́** шабнам баргларни ҳўл қилди (намлади, ювиб ўтди); 2 *что* сув чиқармоқ, сув билан таъминламоқ; **~ть безво́дные сте́пи** сувсиз чўлларга сув чиқармоқ.

ОРОСИ́ТЬСЯ, -и́тся *сов.* (*несов.* **ороша́ться**) суғорилмоқ, ҳўл бўлмоқ, намланмоқ; **её лицо́ оросило́сь слеза́ми** унинг юзлари ёшдан ҳўл бўлди.

ОРОША́/ТЬ *несов. см.* **ороси́ть; ~емые зе́мли** суғориладиган ерлар.

ОРОША́ТЬСЯ, -а́ется *несов.* 1 *см.* **ороси́ться;** 2 *страд. от* **орошать.**

ОРОШЕ́НИ/Е *с по гл.* **ороси́ть — орошать; ~е безво́дных и засу́шливых земе́ль** сувсиз ва қурғоқ ерларга сув чиқариш; **систе́ма ~я** суғориш системаси.

ОРТ *м горн.* орт (ер остида горизонтал йўналишда ковланадиган кон).

ОРТОГОНА́ЛЬНЫЙ, -ая, -ое *мат.* ортогонал, тўғри бурчакли.

ОРТОДО́КС *м книжн.* изчил (собитқадам, содиқ) одам, мустаҳкам эътиқодли (эътиқоди мустаҳкам) одам.

ОРТОДОКСА́ЛЬНОСТЬ *ж книжн.* ортодоксаллик, изчиллик, собитқадамлик, содиқлик, эътиқоди мустаҳкамлик; **~ взгля́дов** дунёқарашнинг изчиллиги.

ОРТОДОКСА́ЛЬНЫЙ, -ая, -ое; -лен, -льна ортодоксал, изчил, собитқадам, содиқ, эътиқоди мустаҳкам.

ОРТОПЕ́Д *м* ортопед, ортопедия мутахассиси.

ОРТОПЕДИ́ЧЕСК/ИЙ, -ая, -ое ортопедияга оид, ортопедик; ортопедия...; **~ая гимна́стика** ортопедик гимнастика; **~ая о́бувь** ортопедик пойабзал (ногиронларни даволаш учун); **~ая кли́ника** ортопедик клиника.

ОРТОПЕ́ДИЯ *ж* ортопедия (медицинанинг суяк иллатларини ўрганадиган ва уларни даволаш билан шуғулланадиган бўлими).

ОРУ́ДИ/Е *с* 1 қурол, асбоб; **земледе́льческое ~е** деҳончилик қуроли; **~я произво́дства** ишлаб чиқариш қуроллари; 2 *перен.* қурол, восита, дастак; **язы́к — ~е обще́ния** тил алоқа қуроли (воситаси)дир; **стать слепы́м ~ем в чьих-л. рука́х** бировнинг қўлида беихтиёр (кўр-кўрона) қурол бўлиб қолмоқ; 3 *воен.* қурол, аслаҳа (тўп, замбарак ва ш. к. артиллерия қуроллари); **артиллери́йское ~е** артиллерия қуроли; **дальнебо́йное ~е** узоққа отар тўп; **зени́тное ~е** зенит тўпи; **самохо́дное ~е** ўзиюрар тўп.

ОРУДИ́ЙНЫЙ, -ая, -ое тўпга, замбаракка оид; **тўп...**; замбарак...; **~ залп** тўплар залпи; **~ ого́нь** замбараклардан отилган ўқ; **~ расчёт** тўпчилар расчёти (бир тўпга бириктирилган солдатлар).

ОРУ́ДОВА/ТЬ *несов. разг.* 1 *чем* ишламоқ; **ишлатмоқ**; фойдаланмоқ; **~ть топоро́м** болтани ишлатмоқ; болта билан ишламоқ; 2 *чем* бошқармоқ, идора қилмоқ; хўжайинлик қилмоқ; **~ть в до́ме** уйда хўжайинлик қилмоқ; 3 иш қилмоқ, ҳаракат қилмоқ; **банди́ты ~ли ночами** бандитлар кечалари юрар (ўз ишини қилар) эди.

ОРУЖЕ́ЙНИК *м* қуролсоз, аслаҳасоз, қурол-аслаҳа ясовчи уста.

ОРУЖЕ́ЙНЫЙ, -ая, -ое қурол-аслаҳага оид; қурол-аслаҳа...; **~ заво́д** қурол-аслаҳа заводи; **~ ма́стер** қурол-аслаҳа устаси, қуролсоз (аслаҳасоз) уста.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ОРУЖЕНОСЕЦ *м, р.* **-сца** қуролбардор (ўрта асрларда: рицарнинг қурол-аслаҳасини кўтариб юрувчи йигит).

ОРУЖИ/Е *с* 1 қурол, яроғ, аслаҳа; **а́томное ~е** атом қуроли; **огнестре́льное ~е** ўқотар қурол (милтиқ, пулемёт, тўп ва ш. к.); **холо́дное ~е** совуқ қурол (пичоқ, найза, ханжар ва ш. к.); **това́рищ по ~ю** қуролдош ўртоқ; 2 *перен.* восита, дастак, қурол; **иде́йное ~е** ғоявий қурол (восита); **печа́ть — могу́чее ~е воспита́ния масс** матбуот оммани тарбиялашнинг қудратли қуролидир.

ОРФОГРАФИ́ЧЕСК/ИЙ, -ая, -ое орфографияга, имлога оид; орфографик, имловий; имло...; **~ая оши́бка** имло хатоси; **~ий слова́рь** имло луғати.

ОРФОГРАФИ/Я *ж* орфография, имло; **пра́вила ~и** имло қоидалари.

ОРФОЭПИ́ЧЕСКИ/Й, -ая, -ое орфоэпияга, талаффузга оид, орфоэпик, орфоэпия...; талаффуз...; **~е но́рмы литерату́рного языка́** адабий тилнинг талаффуз нормалари; **~й слова́рь** орфоэпия (талаффуз) луғати.

ОРФОЭ́ПИ/Я *ж* 1 орфоэпия (сўзларни тўғри талаффуз қилиш қоидалари); **ле́кция по ~и** орфоэпиядан лекция; 2 орфоэпия, тўғри талаффуз.

ОСА́ *ж* ари.

ОСАД/А *ж* 1 қамал қилиш, ўраб олиш, қамал қилиниш; ўровда қолиш; **~а кре́пости** қалъани қамал қилиш; қалъанинг қамал қилиниши; 2 қамал, ўров, қуршов, муҳосара: **быть (находи́ться) в ~е** қамалда (қуршовда) қолмоқ (бўлмоқ); **снять ~у** қамални очмоқ, қамалдагиларни озод қилмоқ.

ОСАДИ/ТЬ I, -ажу́, -а́дишь *сов.* (*несов.* **осажда́ть** I) 1 *что* қамал (муҳосара) қилмоқ, ўраб олмоқ, қуршаб олмоқ; **~ть го́род** шаҳарни қамал қилмоқ, шаҳарни қуршаб олмоқ; 2 *перен. кого-что* атрофини ўраб (қуршаб) олмоқ, атрофига йиғилмоқ; **толпа́ ~ла дом** уйни оломон ўраб олди; **врача́ ~ли больны́е** врачни (врачнинг атрофини) беморлар ўраб (қуршаб) олдилар; 3 *перен. кого чем разг.* бостирмоқ, ёғдирмоқ, кўмиб ташламоқ (юбормоқ); **~ть** *кого-л.* **зака́зами** кимсани буюртмаларга кўмиб юбормоқ.

ОСАДИ́ТЬ II, -ажу́, -а́дишь *сов. что* 1 (*несов.* **оса́живать** I) киргизмоқ, қоқмоқ, ботирмоқ; **~ сва́ю** қозиқ оёқни қоқмоқ (ерга киргизмоқ); 2 (*несов.* **осажда́ть** II) *хим.* тиндирмоқ, тагига чўктирмоқ; **~ соль** тузни чўктирмоқ.

ОСАДИ́/ТЬ III, -ажу́, -а́дишь *сов.* (*несов.* **оса́живать** II) 1 *кого* орқага қайтармоқ, чекинтирмоқ, тисармоқ; жиловини тортиб тўхтатмоқ; **ре́зко ~ть ло́шадь** отнинг жиловини силтаб тортиб тўхтатмоқ; **~ть толпу́** оломонни орқага чекинтирмоқ; 2 орқага чекинмоқ, қайтмоқ, тисарилмоқ; **волк вдруг ~л и ки́нулся в сто́рону** бўри бирдан тисарилиб, бошқа томонга қочиб қолди; 3 *перен. кого* оғзига урмоқ, танбеҳ бериб (тартибга чақириб) қўймоқ; танбеҳ бериб қайтармоқ, тўхтатмоқ, ўтиргизиб қўймоқ; **~ть за гру́бость** қўполлиги учун танбеҳ бериб қўймоқ.

ОСА́ДК/А *м* 1 чўкиш, ўтириш, ботиш; **~а фунда́мента** пойдеворнинг чўкиши; **стена́ дала́ ~у** девор чўкибди; девор чўка бошлабди; 2 *мор.* ботиш (кеманинг сувга ботиб туриш даражаси); **су́дно идёт с непо́лной ~ой** кема сувга тўла ботмай (яъни, кам юк билан) бормоқда.

ОСАДН/ЫЙ, -ая, -ое *воен.* қамалга, қуршовга оид; қамал...; қуршов...; муҳосара...; **~ое ору́дие** муҳосара қуроли (тўпи, замбараги); **~ое положе́ние** қамал ҳолати.

ОСА́Д/ОК *м, р.* **-дка** 1 чўкинди, қуйқа, лойқа, қуйқум, чўкма; **раство́р дал ~ок** эритмадан чўкинди айрилиб чиқди; 2 *перен.* кўнгилда қолган оғир (ёмон) таъсир, асар, доғ; **неприя́тный ~ок от разгово́ра** *с кем-л.* бирор кимса суҳбатидан кейин қолган ёмон таъсир (доғ); 3 *мн.* **~ки** ёғин-сочин, ёғинлар; ёғилган зарралар; **атмосфе́рные ~ки** ҳаво ёғинлари (қор, ёмғир кабилар); **коли́чество ~ков** ёғин миқдори; **~ков не ожида́ется** ёғин кутилмайди; **радиоакти́вные ~ки** ёғилган (инган) радиоактив зарралар; 4 *мн.* **~ки** *геол.* **чўкиндилар**, сувости чўкиндилари, чўкинди қатлам.

ОСАДО́ЧНЫ/Й, -ая, -ое 1 чўкишга оид; чўккан...; **чўкинди**...; чўкиш...; **~й слой** чўкинди (чўккан) қатлам; 2 *геол.* чўкиндиларга оид, чўкинди...; **~е го́рные поро́ды чўкинди тоғ жинслари**; 3 *тех.* **тиндириш учун хизмат қиладиган**; қуйқа (чўкинди, лойқа) тўпланадиган; тиндириш...; **~й чан** қуйқа тўпланадиган идиш; тиндириш тоғораси.

ОСАЖДА́ТЬ I *несов. см.* **осади́ть** I.

ОСАЖДА́ТЬ II *несов. см.* **осади́ть** II, 2.

ОСАЖДА́ТЬСЯ I, -а́ется *несов. страд. от* **осажда́ть** I.

ОСАЖДА́ТЬСЯ II, -а́ется *несов.* 1 чўкмоқ, тинмоқ; 2 ёғмоқ, ёғилмоқ, инмоқ (ёғин-сочин, зарралар ҳақида); 3 *страд. от* **осажда́ть** II.

ОСАЖДЕ́НИЕ *с* ёғиш, ёғилиш; иниш; **~ вла́ги** намлик (ёмғир) ёғиши; **~ паро́в** буғнинг иниши (ўтириши); буғнинг ўтириб сувга айланиши.

ОСА́ЖИВАТЬ I *несов. см.* **осади́ть** II, 1.

ОСА́ЖИВАТЬ II *несов. см.* **осади́ть** III.

ОСА́ЖИВАТЬСЯ I, -ается *несов. разг.* ёғмоқ, ёғилмоқ; инмоқ.

ОСА́ЖИВАТЬСЯ II, -ается *несов. страд. от* **оса́живать** II.

ОСА́НИСТЫЙ, -ая, -ое басавлат, барваста, қадди-қомати (бўй-басти) келишган, ҳушқад қоматли, гавдали, жуссали; **~ мужчи́на** басавлат (гавдали) киши; келишган одам.

ОСА́НКА гавдани тутиш; гавда, қад-қомат, бўй-баст, андом; **го́рдая ~** гавдани мағрур тутиш; кўкракни кериб туриш.

ОСА́ННА *ж церк.* мақтов нидоси (ибодатда); **✦ петь** (или **восклица́ть**) **~у** *кому уст. книжн.* бировни мақтамоқ, мадҳ этмоқ, кўкка кўтармоқ.

ОСАТАНЕ́ЛЫЙ, -ая, -ое *разг.* ёвузлашган, қутурган, қаҳр-ғазаби ошиб кетган, қаттиқ ғазабланган, жаҳлга минган, ёвуз; **~ враг** ёвуз душман; қутурган душман.

ОСАТАНЕ́/ТЬ *сов.* 1 *разг.* ёвузлашмоқ, қутурмоқ, қаҳр-ғазаби ошиб кетмоқ, дарғазаб бўлмоқ, қаттиқ ғазабга келмоқ; жаҳлга минмоқ;— **От бе́дности жена́ ~ла** (Чехов) Камбағалликдан хотинимнинг ғазаби **ошиб кетди**; 2 *кому прост.* жонига тегмоқ, кўнглига урмоқ, **безо́р қилмоқ**; **безде́лье ему́ ~ло** бекорчилик унинг жонига **тегди**, у бекорчиликдан безор бўлди.

ОСВА́ИВАТЬ *несов. см.* **освои́ть.**

ОСВА́ИВАТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **освои́ться**; 2 *страд. от* **осва́ивать.**

ОСВЕДОМИ́ТЕЛЬ *м* хабарчи, хабар берувчи, даракчи, билдирувчи; маълумот берувчи; **та́йный ~** яширин хабарчи, айғоқчи.

ОСВЕДОМИ́ТЕЛЬНИЦА *ж см.* **осведоми́тель.**

ОСВЕДОМИ́ТЕЛЬНЫЙ, -ая, -ое, ахборот (маълумот) берадиган, хабардор қиладиган; огоҳлантирувчи; **~ докла́д** ахборот берадиган доклад, ахборот доклади.

ОСВЕ́ДОМИТЬ, -млю, -мишь *сов.* (*несов.* **осведомля́ть**) *кого* хабар қилмоқ (бермоқ), хабардор қилмоқ, билдирмоқ, огоҳ (воқиф) қилмоқ, билдириб (хабардор қилиб) қўймоқ; **~ о положе́нии дел** ишнинг аҳволи ҳақида хабардор қилмоқ; ишнинг аҳволидан хабардор қилиб қўймоқ; **ра́зве он не осведомлён?** унинг хабари йўқми?; у хабардор қилиб қўйилмаганми?

ОСВЕ́ДОМИТЬСЯ, -млюсь, -мишься *сов.* (*несов.* **осведомля́ться**) хабар олмоқ, сўрамоқ, билмоқ, суриштирмоқ; сўраб (суриштириб) билмоқ; **~ о здоро́вье** саломатлигидан хабар олмоқ, саломатлигини сўрамоқ, саломатлиги ҳақида суриштириб билмоқ.

ОСВЕДОМЛЕ́НИЕ *с по гл.* **осве́домить** и **осве́домиться**; **~ о здоро́вье больно́го** беморнинг соғлиғидан (аҳволидан) хабар олиш, беморнинг аҳволини сўраш; **~ о случи́вшемся** содир бўлган воқеа ҳақида хабардор қилиш (хабар бериш); **~ окружа́ющих** атрофдагиларни хабардор қилиш.

ОСВЕДОМЛЕ́ННОСТЬ *ж* билганлик, хабардор эканлик; яхши билиш, хабардорлик, билимдонлик; **~ в литерату́ре** адабиётни яхши билиш, адабиётдан хабардорлик; **показа́ть свою́ ~** ўзининг хабардорлигини (билимдонлигини) кўрсатмоқ.

ОСВЕДОМЛЕ́ННЫЙ, -ая, -ое 1 *прич. от* **осведомлённость**; 2 *в знач. прил.* хабардор, яхши биладиган, билимдон; **~ челове́к** ҳамма нарсадан хабардор одам, билимдон.

ОСВЕДОМЛЯ́ТЬ *несов. см.* **осве́домить.**

ОСВЕДОМЛЯ́ТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **осве́домиться**; 2 *страд. от* **осведомля́ть.**

www.ziyouz.com kutubxonasi

ОСВЕЖА́ТЬ *несов. см.* **освежи́ть.**

ОСВЕЖА́ТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **освежи́ться**; 2 *страд. от* **освежа́ть.**

ОСВЕЖЕВА́ТЬ, -жу́ю, -жу́ешь *сов. кого-что* терисини шилмоқ; ичини тозаламоқ; нимталамоқ, бузмоқ (сўйилган ҳайвонни); ~ **ту́шу** сўйилган ҳайвон гўштини нимталамоқ, бузмоқ.

ОСВЕЖИ́ТЕЛЬНЫЙ, -ая, -ое; -лен, -льна ором (роҳат, ҳузур) бахш этадиган, баҳр-дилни очадиган, оромбахш, ҳузурбахш, роҳатбахш; ~ **сон** оромбахш уйқу; ~ **ветеро́к** роҳатбахш шабада.

ОСВЕ́ЖИ/ТЬ *сов.* (*несов.* **освежа́ть**) 1 *что* тозаламоқ, янгиламоқ, соф (мусаффо, салқин) қилмоқ; ~**ть во́здух в ко́мнате** уйнинг ҳавосини тозаламоқ (янгиламоқ); уйни шамоллатмоқ; **дождь ~л во́здух** ёмғир ҳавони мусаффо қилди; 2 *кого-что* салқинлатмоқ, қон югуртирмоқ, ёқимли урилмоқ; **ве́тер ~л лицо́** шабада юзларга ёқимли урилди; ~**ть лицо́** юзга атир сепмоқ; ~**ть?** атир сепайми?; 3 *кого* тетиклаштирмоқ, бардам қилмоқ, кучини тикламоқ, жонини киргизмоқ, ором бермоқ; **сон ~л его́** уйқу уни тетиклаштирди; **купа́ние ~ло нас** чўмилиш бизни тетиклантирди; чўмилиб жонимиз кирди; 4 *что* янгиламоқ, янгисига алмаштирмоқ; ~**ть ста́рый костю́м** эски костюмни янгиламоқ; 5 *что* эслатмоқ, эсга олмоқ; тикламоқ, жонлантирмоқ; ~**ть в па́мяти** хотирада тикламоқ, эсламоқ, эсга олмоқ.

ОСВЕЖИ́/ТЬСЯ *сов.* (*несов.* **освежа́ться**) 1 салқинламоқ, софланмоқ, соф (тоза, мусаффо) бўлмоқ, тозаланмоқ, янгиланмоқ; **во́здух ~лся** ҳаво тозаланди (янгиланди); ҳаво салқинлашди; 2 тетикланмоқ, ором олмоқ, жони кирмоқ, тоза ҳаво олмоқ, шабадаламоқ; **вы́йти ~ться** тоза ҳаво олиш учун ташқарига чиқмоқ; ~**ться, приня́в душ** душ қабул қилиб тетиклашмоқ; душ қабул қилиб жони кирмоқ; 3 *перен.* юрак чигилини ёзмоқ, ёзилмоқ;— **Ступа́йте на юг: ~тесь, набери́тесь но́вых впечатле́ний** (И. Гончаров) Жанубга боринг; юрагингизнинг чигили ёзилади, янги-янги таассуротлар олиб келасиз; 4 ёдига тушмоқ, эсга келмоқ, янгиланмоқ, тикланмоқ, жонланмоқ; **в его́ па́мяти ~лись карти́ны далёкого де́тства** унинг хотирасида узоқ болалик даврининг манзаралари жонланди.

ОСВЕТИ́ТЕЛЬ *м* 1 *театр. кино* чироғбон (саҳнани ёритувчи, ёритиш ишлари билан шуғулланувчи мутахассис); 2 *тех.* ёритиш асбоби, ёритгич, чироқ, лампа.

ОСВЕТИ́ТЕЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое ёритишга оид, ёритадиган, ёритувчи; ёритиш...; ~**ый прибо́р** ёритиш асбоби, ёритувчи асбоб; ~**ая раке́та** ёритувчи ракета, ёритиш ракетаси.

ОСВЕТИ́/ТЬ, -ещу́; -ети́шь *сов.* (*несов.* **освеща́ть**) 1 *кого-что* нур сочмоқ, ёритмоқ; ёруғ (чароғон, мунаввар) қилмоқ; **луна́ ~ла всё вокру́г** ой атрофни ёритди (ҳаммаёқни ёруғ қилди); **со́лнце ~ло го́ры** қуёш тоғларни ёритди; ~**ть у́лицы электри́чеством** кўчаларни электр чироқлари билан ёритмоқ; 2 *что* ёритмоқ, чироқ (ёруғ) тутмоқ; ~**ть доро́гу фона́риком** фонарь билан (фонарь тутиб) йўлни ёритмоқ; ~**ть запи́ску спи́чкой** гугурт ёқиб (тутиб) хатни ёритмоқ; 3 *перен. что* жонлантирмоқ, руҳлантирмоқ, жон (руҳ) киритмоқ, жонли қилиб кўрсатмоқ, очмоқ; **улы́бка ~ла лицо́ ма́льчика** табассум боланинг юзларини жонлантирди, табассумдан боланинг юзлари жонланди (руҳланди, очилиб кетди); 4 *перен. что* ёритмоқ, очиб (очиқ-ойдин қилиб, тушунтириб, айтиб) бермоқ; ~**ть собы́тия** воқеаларни айтиб (ёритиб) бермоқ; **в газе́тах э́тот вопро́с освещён доста́точно подро́бно** бу масала газеталарда муфассал ёритилган.

ОСВЕТИ́/ТЬСЯ, -и́тся *сов.* (*несов.* **освеща́ться**) 1 ёримоқ, ёришмоқ, ёруғ (чароғон, мунаввар) бўлмоқ; равшан бўлмоқ, нурга тўлмоқ; **зажгли́сь фонари́, и у́лицы ~лись** чироқлар ёқилиб, кўчалар ёриб кетди (нурга тўлди); 2 *перен.* жонланмоқ, руҳланмоқ, очилиб кетмоқ, ял-ял ёнмоқ; **лицо́ де́вочки ~лось ра́достью** хурсандлигидан қизнинг юзлари жонланди (руҳланди, очилиб кетди); хурсандлигидан қизчанинг юзи ял-ял ёнди.

ОСВЕТЛИ́ТЬ *сов.* (*несов.* **осветля́ть**) 1 тиндирмоқ, тинитмоқ; ~ **во́ду в отсто́йнике** сувни тиндиргичда тиндирмоқ; 2 сийраклатмоқ, очмоқ (дарахтларни бутаб, ўрмонни нур ва ҳаво кирадиган қилмоқ); ~ **уча́сток ле́са** ўрмон участкасини сийракламоқ.

ОСВЕТЛЯ́ТЬ *несов. см.* **осветли́ть.**

ОСВЕЩА́ТЬ *несов. см.* **освети́ть.**

ОСВЕЩА́ТЬСЯ, -а́ется *несов.* 1 *см.* **освети́ться**; 2 *страд. от* **освеща́ть.**

ОСВЕЩЕ́НИ/Е *с* 1 *по гл.* **освети́ть**; ~**е у́лиц** кўчаларни ёритиш; кўчаларнинг ёритилиши; 2 ёруғлик, ёруғ, нур, чироқ; **вечёрнее ~е** кечки ёруғлик; **электри́ческое ~е** электр ёруғи, электр чироқлари; **при есте́ственном ~и** табиий ёруғликда; 3 ёритувчи асбоблар, ёритиш воситалари, системаси; чироқлар; **провести электри́ческое ~е** *где-л.* бирор ерга электр чироқлар ўрнатмоқ; 4 *перен.* ёритиш, ёритиб (очиб, очиқ-ойдин қилиб, тушунтириб) бериш, айтиб бериш; ~**е собы́тий** воқеаларни ёритиш; **маркси́стско-ле́нинское ~е вопро́са** масалани марксча-ленинча (марксизм-ленинизм нуқтаи назаридан) ёритиш; **дать пра́вильное ~е фа́ктам** фактларни тўғри ёритмоқ (тўғри тушунтириб бермоқ); 5 *иск.* ёритиш, ёритилиш, ёритилганлик (фотосуратда нурнинг тақсимланиши); **уда́чное ~е лица́ на фотосни́мке** фотосуратда юзнинг жуда яхши ёритилиши (ёритилганлиги).

ОСВЕЩЁННОСТ/Ь *ж* 1 *физ.* ёритилганлик; **едини́ца ~и** ёритилганлик бирлиги; 2 ёритилганлик даражаси; ~**ь зда́ний** бинонинг ёритилганлиги (ёритилганлик даражаси).

ОСВИДЕТЕЛЬСТВОВА́НИЕ *с* кўриб аниқлаш, текшириб чиқиш, кўриб чиқиш, текширувдан ўтказиш; текширув; **медици́нское ~** медицина (врачларнинг) текшируви.

ОСВИДЕТЕЛЬСТВОВА́ТЬ *сов. кого-что* кўриб аниқламоқ, текшириб чиқмоқ, кўриб чиқмоқ, текширувдан ўтказмоқ; ~ **больно́го** беморни текшириб чиқмоқ (текширувдан ўтказмоқ).

ОСВИРЕПЕ́ТЬ *сов. разг.* қаттиқ ғазабга келмоқ, қутурмоқ.

ОСВИСТА́ТЬ, -ищу́, -и́щешь *сов.* (*несов.* **освисты́вать**) *кого-что* ҳуштак чалиб норозилик билдирмоқ, ҳуштак чалиб обрўсизлантирмоқ; норозилик билдириб ҳуштакбозликка олмоқ; ~ **актёра** актёрдан норози бўлиб ҳуштакбозликка олмоқ.

ОСВИСТЫВА́ТЬ *несов. см.* **освиста́ть.**

ОСВОБОДИ́ТЕЛЬ *м* халоскор; озод қилувчи (қилган), озодлик келтирувчи (келтирган) кимса; **наро́д-~** халоскор халқ, озод қилган халқ.

ОСВОБОДИ́ТЕЛЬНИЦА *ж см.* **освободи́тель.**

ОСВОБОДИ́ТЕЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое озодликка қаратилган, озод (халос) қиладиган, озодлик келтирадиган, озодлик (халоскорлик) йўлидаги, озодлик учун бўлган (бўладиган); ~**ая борьба́** озодлик учун кураш, озодлик кураши; ~**ая война́** озодлик учун бўлган уруш, озодлик (халоскорлик) уруши; ~**ое движе́ние** озодлик ҳаракати.

ОСВОБОДИ́ТЬ, -ожу́, -оди́шь *сов.* (*несов.* **освобожда́ть**) 1 *кого-что* озод қилмоқ, қутқармоқ, халос қилмоқ, эркинликка (озодликка) чиқармоқ; мустақиллик бермоқ; ~ **военноплённых** ҳарбий асирларни озод қилмоқ; ~ **страну́ от ра́бства** мамлакатни қулликдан озод қилмоқ; ~ **из-под аре́ста** қамоқдан чиқармоқ (бўшатмоқ, озод қилмоқ); 2 *что* (ёвдан) қайтариб олмоқ, озод қилмоқ; ~ **го́род** шаҳарни (ёвдан) қайтариб олмоқ; 3 *кого-что* бўшатмоқ; қўйиб (ечиб) юбормоқ; чиқариб юбормоқ, ечиб қўймоқ; ~ **ру́ку от повя́зки** қўлнинг боғловини ечмоқ; ~ **ло́шадь от пут** отни тушовдан бўшатмоқ (тушовини ечиб юбормоқ); 4 *перен. кого-что* жавоб (рухсат) бермоқ; ~ **от рабо́ты на три дня** ишдан уч кунга жавоб бермоқ; 5 эрк (эркинлик) бермоқ; **социали́зм освободи́л тво́рческие си́лы наро́да** социализм халқнинг ижодий кучига эркинлик берди; 6 *кого от чего* озод қилмоқ, бўшатмоқ, қутқазмоқ, халос қилмоқ; холи (дархон) қилмоқ; ~ **от наказа́ния** жазодан озод қилмоқ (қутқазмоқ); ~ **от вое́нной слу́жбы** ҳарбий хизматдан бўшатмоқ (озод қилмоқ); ~ **от нало́гов** солиқлардан озод (дархон) қилмоқ; 7 *кого от чего* ишдан олмоқ, четлаштирмоқ, бўшатмоқ, озод қилмоқ; ~ **от занима́емой до́лжности** вазифасидан бўшатмоқ; 8 *что* холи қилмоқ, бўшатмоқ; чиқариб ташламоқ (юбормоқ); ~ **я́щик стола́** стол яшигини бўшатмоқ; ~ **помеще́ние от посторо́нних** хонадан бегона (чет) кишиларни чиқариб юбормоқ; 9 *что* бўшатмоқ, бў-

www.ziyouz.com kutubxonasi

шатиб қўймоқ; **коне́чная ста́нция, про́сьба освободи́ть ваго́ны** охирги станция, вагонларни бўшатишингизни сўраймиз; **10** *что* бўшатмоқ, ишдан бўш (холи) қолдирмоқ; ~ **ве́чер** кечқурунни бўшатмоқ (мас., театрга бориш учун); ✦ **освобождённый рабо́тник** бошқа ишлардан бўшатиб қўйилган (фақат белгили вазифани, ишни олиб борадиган) ходим (асосан, партия, касаба союз ходимлари ҳақида).

ОСВОБОДИ́/ТЬСЯ, -ожу́сь, -оди́шься 1 озод бўлмоқ, қутулмоқ, халос бўлмоқ, эркинликка (озодликка) чиқмоқ, мустақилликка эришмоқ; ~**ться из пле́на** асирликдан озод бўлмоқ; ~**ться от ра́бства** қулликдан қутулмоқ; ~**ться от йга капитали́зма** капитализм зулмидан (истибдодидан) озод бўлмоқ; капитализм асоратидан қутулмоқ; **2** бўшалиб (ечилиб) кетмоқ; бўшамоқ, қутулиб чиқмоқ; **ло́шадь ~лась от при́вязи** от бўшалиб (ечилиб) кетибди; **[Одинцо́ва] не то́тчас ~лась из его́ объя́тий** (Тургенев) [Одинцова] ўша онда унинг қучоғидан қутулиб чиқа олмади; **3** *от кого-чего* қутулмоқ, халос бўлмоқ, озод бўлмоқ; фориғ бўлмоқ; ~**ться от неду́га** дарддан қутулмоқ (фориғ бўлмоқ); ~**ться от предрассу́дков** хурофотлардан халос бўлмоқ; ~**ться от упла́ты по́шлин** бож тўлашдан озод бўлмоқ; **4** бўшамоқ, холи бўлмоқ; **ко́мната ~лась** хона бўшади; **шкаф ~лся** жавон бўшади; **5** *от чего* тозаланмоқ; тоза (холи, мусаффо) бўлмоқ, очилмоқ; **доро́га ~лась от сне́га** йўл қордан тозаланди; **не́бо ещё не ~лось от туч** ҳали осмон булутлардан холи (мусаффо) бўлганича йўқ, ҳали ҳаво очилмади; **6** ишдан бўшамоқ (қутулмоқ), бўш (холи) бўлмоқ, ишни тугатмоқ; **подожди́, пока́ я освобожу́сь** мен бўшагунимча (ишим тугагунча) кутиб тур (сабр қил).

ОСВОБОЖДА́ТЬ *несов. см.* **освободи́ть.**

ОСВОБОЖДА́ТЬСЯ *несов.* **1** *см.* **освободи́ться; 2** *страд. от* **освобожда́ть.**

ОСВОБОЖДЕ́НИ/Е *с по гл.* **освобожда́ть** и **освобожда́ться; ~е рабо́чего кла́сса** ишчилар синфининг озод бўлиши (озодликка чиқиши); ишчилар синфини озод қилиш; **~е от до́лжности** вазифасидан озод қилиш, ишдан бўшатиш; **~е пле́нных** асирларни озод қилиш; асирларнинг озод бўлиши; **годовщи́на ~я го́рода** шаҳар озод қилинганлигининг бир йиллиги; **~е от нало́гов** солиқлардан озод қилиш; солиқлардан озод бўлиш; **получи́ть ~е на три дня по боле́зни** касаллиги сабабли уч кун жавоб олмоқ.

ОСВОЕ́НИЕ *с по гл.* **осво́ить; ~ учёбного материа́ла** ўқув материалини ўзлаштириш; ~ **цели́нных и зале́жных земе́ль** қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш.

ОСВО́ИТЬ *сов.* (*несов.* **осва́ивать**) *что* **1** ўзлаштирмоқ, билиб олмоқ, уқиб олмоқ; эгалламоқ; ~ **прочи́танное** ўқилганларни уқиб олмоқ; ~ **слеса́рное ремесло́** слесарлик ҳунарини ўзлаштириб (эгаллаб) олмоқ; **2** ўзлаштирмоқ; фойдаланмоқ, сарфламоқ; ~ **целину́** қўриқ ерларни ўзлаштирмоқ; ~ **капиталовложе́ния** ажратилган маблағларни ўзлаштирмоқ; ажратилган маблағларни тўла сарфламоқ.

ОСВО́ИТЬСЯ *сов.* (*несов.* **осва́иваться**) **1** кўникмоқ, ўрганмоқ, ўрганиб қолмоқ, эл бўлиб кетмоқ; ~ **с но́вой обстано́вкой** янги шароитга ўрганиб (кўникиб) кетмоқ; **2** ўзлаштирмоқ, билиб (ўзлаштириб) олмоқ, ҳавосини олмоқ; ~ **с но́вой терминоло́гией** янги терминологияни ўзлаштириб олмоқ.

ОСВЯТИ́ТЬ, -ящу́, -яти́шь *сов. что* **1** табаррук қилмоқ; ~ **во́ду** сувни табаррук қилмоқ; **2** (*несов.* **освяща́ть**) *перен. книжн.* муқаддаслаштирмоқ, муқаддас нарсага айлантирмоқ; **обы́чаи, освящённые пре́дками** аждодлар муқаддас нарсага айлантирган одатлар.

ОСВЯЩА́ТЬ *несов. см.* **освяти́ть 2.**

ОСЕВ/О́Й, -а́я, -о́е ўққа оид; ўқ бўйлаб йўналган, бўйлама...; ўқ...; ~**а́я ли́ния** ўқ чизиғи; ~**о́е смеще́ние** ўқ бўйлаб силжиш, бўйлама силжиш; ~**а́я симметри́я** ўқ симметрияси, ўққа нисбатан симметриклик.

ОСЕДА́НИЕ *с по гл.* **оседа́ть; ~ зда́ния** бинонинг ўтириши (чўкиши); ~ **при́месей** аралашмаларнинг чўкиши (тагига ўтириши).

ОСЕДА́ТЬ *несов. см.* **осе́сть.**

ОСЕДЛА́ТЬ *сов.* (*несов.* **осёдлывать**) **1** *кого* эгарламоқ, эгар урмоқ; ~ **ло́шадь** отни эгарламоқ, отга эгар урмоқ; **2** *что разг.* тақмоқ, кўндирмоқ; ~ **нос очка́ми** бурунга кўзойнак тақмоқ (кўндирмоқ); **3** *что разг.* устига ўтириб (миниб) олмоқ; ~ **бревно́** ходани (ходага) миниб олмоқ; ~ **велосипе́д** велосипедга минмоқ; **4** *перен. кого-что разг.* тўла қўлга олмоқ, бўйсундирмоқ; измига солиб олмоқ; **5** *что воен.* эгаллаб олмоқ, ишғол қилмоқ; ~ **доро́гу** йўлни эгаллаб олмоқ, йўлни ишғол қилмоқ; ~ **высоту́** тепаликни эгалламоқ (ишғол қилмоқ).

ОСЕДЛОСТ/Ь *ж* ўтроқлик, ўтроқ бўлиб яшаш; **перейти́ к ~и** ўтроқ бўлиб яшашга ўтмоқ.

ОСЕДЛЫВА́ТЬ *несов. см.* **оседла́ть.**

ОСЕДЛЫ/Й, -ая, -ое 1 ўтроқ; ~**е племена́** ўтроқ қабилалар; **2** доим бир жойда яшовчи, муқим турувчи; ~**й о́браз жи́зни** ўтроқ бўлиб яшаш, ўтроқлик; доим бир жойда яшаш.

ОСЕКА́ТЬСЯ *несов. см.* **осе́чься.**

ОСЁЛ *м, р.* **осла́ 1** эшак; **2** *бран.* эшак; ярамас.

ОСЕЛО́К *м, р.* **-лка́ 1** қайроқ, қайроқтош; **2** синов тоши (қимматбаҳо тошларни синаб кўрадиган тош, қайроқ); **3** *перен.* синов тоши, имтиҳон, синоқ, синов; **Фронт явля́ется оселко́м, на кото́ром, в числе́ мно́гих други́х чувств челове́ка, испы́тываются та́кже ве́рность и дру́жба** (М. Калинин) Фронт кишининг бошқа турли-туман хислатлари қатори садоқати ва дўстлиги учун ҳам синов тошидир (синовдир).

ОСЕМЕНА́ТОР *м с.-х.* қочирувчи; **те́хник-~** (ҳайвонларни) қочирувчи техник.

ОСЕМЕНЕ́НИЕ *с* **1** *с.-х. по гл.* **осемени́ть; иску́сственное ~** сунъий қочириш, сунъий бўғоз қилиш; **2** *биол.* уруғланиш.

ОСЕМЕНИ́ТЬ *сов.* (*несов.* **осеменя́ть**) *кого* қочирмоқ, бўғоз қилмоқ.

ОСЕМЕНЯ́ТЬ *несов. см.* **осемени́ть.**

ОСЕНИ́/ТЬ *сов.* (*несов.* **осеня́ть**) **1** *кого-что* соя солмоқ; қопламоқ, қоплаб олмоқ; тушмоқ; **алле́я, осенённая тополя́ми** тераклар соя солиб турган хиёбон; **2** *кого-что высок.* мададкор бўлмоқ, мадад бермоқ; **на́ши войска́ осенены́ побе́дными знаме́нами** қўшинларимизга зафарли байроқлар мададкор бўлмоқда; **3** *кого* кутилмаганда хаёлига келмоқ; ялт этиб (бирдан, тўсатдан) мияга келиб қолмоқ, эсига тушмоқ; **его́ ~ла счастли́вая мысль** унинг хаёлига (миясига) ялт этиб яхши бир фикр келиб қолди; **вдруг его́ ~ло** тўсатдан унинг миясига бир фикр келиб қолди; ✦ **~ть кре́стным знаме́нием (кресто́м)** крест(хоч) билан чўқинтирмоқ.

ОСЕНИ́ТЬСЯ *сов.* (*несов.* **осеня́ться**) *книжн.* сояда қолмоқ, соя билан қопланмоқ; ✦ ~ **кре́стным знаме́нием (кресто́м)** чўқинмоқ.

ОСЕ́ННИЙ, -яя, -ее кузги, кузда бўлган (бўладиган); куз...; ~**ий день** куз куни, кузги кун; ~**ие дожди́** кузги ёмғирлар; куз ёмғирлари; ~**ий сев** кузги экиш; ~**ее пальто́** кузги пальто.

ОСЕ́Н/Ь *ж* куз; **глубо́кая ~ь** айни куз пайти; **по́здняя ~ь** кеч куз; кечки куз; **по ~и** *прост. то же, что* **о́сенью; ~ь жи́зни** *перен.* умр (ҳаёт) кузи (қарилик чоғи).

О́СЕНЬЮ *нареч.* кузда; куз пайти(да); ~ **про́шлого го́да** ўтган йил кузда; **по́здней ~** кеч кузда.

ОСЕНЯ́ТЬ *несов. см.* **осени́ть.**

ОСЕНЯ́ТЬСЯ *несов.* **1** *см.* **осени́ться; 2** *страд. от* **осеня́ть.**

ОСЕРДИ́ТЬ, -ержу́, -е́рдишь *сов. уст.* и *прост.* жаҳлини чиқармоқ, ғазабини келтирмоқ, қонини қайнатмоқ.

ОСЕ́РДИТЬСЯ, -ержу́сь, -е́рдишься *сов. уст.* и *прост.* жаҳли чиқмоқ, ғазаби келмоқ, қони қайнаб кетмоқ.

ОСЕРЧА́ТЬ *сов. прост.* жаҳли чиқиб кетмоқ, ғазабланмоқ.

ОСЕ́СТЬ, осяду́, осядешь *сов.* (*несов.* **оседа́ть**) **1** чўкмоқ, ботмоқ, ўтириб қолмоқ; ўтиришмоқ; **зда́ние осе́ло** бино чўкиб қолди (қолибди); **по́чва осе́ла** тупроқ ўтириб қолди (қолибди); **Под гру́зной фигу́рой отца́ плот осе́л...** (Гайдар) Отамнинг барваста гавдаси оғирлигидан сол бирмунча сувга ботди...; **2** секин ўтирмоқ, ўтириб қолмоқ, чўкмоқ, йиқилмоқ; **3** ўтирмоқ, инмоқ; **пыль осе́ла на траву́** ўтларга чанг ўтирди, ўтларни чанг қоплади (қоплабди); **4** тинмоқ, тагига чўкмоқ, ўтирмоқ; **гу́ща осе́ла на дно** қуйқа идишнинг тагига ўтирди; **5** ўрнашмоқ; ўрнашиб қолмоқ (олмоқ); ўтроқ бўлиб яшамоқ; ~ **в дере́вне** қишлоқда ўрнашиб қолмоқ.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ОСЕТИ́Н *м* осетин; *см.* **осети́ны.**

ОСЕТИ́НКА *ж, р. мн.* **-нок** осетин аёл; *см.* **осети́ны.**

ОСЕТИ́НСКИЙ, -ая, -ое осетинларга оид; осетинча; осетин(лар)...; ~ **язы́к** осетин тили; ~ **та́нец** осетинлар рақси, осетинча рақс.

ОСЕТИ́НЫ *мн. (ед.* **осети́н** *м,* **осети́нка** *ж)* осетинлар, осетин халқи.

ОСЁТР *м, р.* **осетра́** осётр, бикри, бакра, бакрабалиқ.

ОСЕТРИ́НА *ж* осётр (бакра) балиғининг гўшти; **копчёная** ~ дудланган осетр, дудланган бикри (бакра) гўшти.

ОСЕТРО́В/ЫЙ, -ая, -ое 1 осётрга оид; осётр...; ~**ая икра́** осётр (бакрабалиқ) увулдириғи (икраси); 2 *в знач. сущ.* ~**ые** *мн. зоол.* осётрсимонлар (осётрсимон балиқлар оиласи).

ОСЕ́ЧК/А *ж, мн. р.* **-чек** 1 отилмай қолиш, пистони чақилмай қолиш; **ружьё да́ло** ~**у** милтиқ отилмай қолди; 2 *перен. разг.* муваффақиятсизлик; ишнинг унмай (ўнгидан келмай) қолиши, иш юришмаслик; **с де́лом вы́шла** ~**а** иш муваффақиятсиз бўлди, иш юришмади (ўнгидан келмади, чиқмади).

ОСЕ́ЧЬСЯ, -еку́сь, -ечёшься; -е́кся, -е́клась *сов. (несов.* **осека́ться**) 1 *уст.* отилмай қолмоқ, пистони чақилмай қолмоқ; **ружьё осе́клось** милтиқ отилмай қолди; 2 *перен. прост.* муваффақиятсизликка учрамоқ; иши унмаслик, иши ўнгидан келмаслик (юришмаслиқ, чиқмаслик); **осе́клись они́ на э́том де́ле** бу ишда улар муваффақиятсизликка учрадилар; 3 *перен. разг.* гапи оғзида қолмоқ, дами ичига тушиб кетмоқ, тўхтамоқ; **он заговори́л, но вдруг осе́кся** у гапириб туриб бирдан тўхтаб қолди (дами ичига тушиб кетди).

ОСИ́ЛИВАТЬ *несов. см.* **оси́лить.**

ОСИ́ЛИТЬ *сов. (несов.* **оси́ливать**) 1 *кого-что* бас келмоқ, ғолиб чиқмоқ, енгмоқ, устун келмоқ; ~ **врага́** душманни енгмоқ; 2 *перен. что* босмоқ, енгмоқ; ~ **страх** қўрқувни енгмоқ (босмоқ); ~ **волне́ние** ҳаяжонни енгмоқ; 3 *что* уддаламоқ, уддасидан чиқмоқ, бажара олмоқ, кучи (қуввати) етмоқ, қўлидан келмоқ; ~ **тру́дную зада́чу** қийин масала́ни еча билмоқ (охири ечмоқ); **тако́е де́ло не ка́ждый оси́лит** бундай ишни ҳамма ҳам уддалайвермайди; бундай иш ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди; 4 *что* ўзлаштирмоқ, билиб (ўрганиб) олмоқ; ~ **гра́моту** хат-саводни ўрганиб олмоқ.

ОСИ́НА *ж* тоғтерак, ансол.

ОСИ́ННИК *м* тоғтерак ўрмони, дарахтзори.

ОСИ́НОВИК *м то же, что* **подоси́новик.**

ОСИ́НОВЫ/Й, -ая, -ое тоғтеракка оид; тоғтерак ёғочидан (тахтасидан) қилинган; тоғтерак...; ~**й лист** тоғтерак барги; ~**е дрова́** тоғтерак ўтини; ✦ **дрожа́ть (трясти́сь) как** ~**й лист** терак баргидек титрамоқ, дағ-дағ титрамоқ; **вбить** ~**й кол** *см.* **кол.**

ОСИ́Н/ЫЙ, -ая, -ое арига оид; ари...; ~**ый рой** ари галаси; ✦ ~**ое гнездо́** газандалар уяси; ~**ая та́лия** чумолибел, қумурсқабел, мўрчамиён.

ОСИ́ПЛЫ/Й, -ая, -ое хирилдоқ, бўғиқ, бўғилган, хириллаган; **говори́ть** ~**м го́лосом** бўғиқ овоз билан гапирмоқ.

ОСИ́П/НУТЬ, -ну, -нешь; оси́п, -ла *сов.* бўғилмоқ, хириллаб қолмоқ, овози битмоқ; **го́лос** ~ овоз бўғилди, хириллаб қолди; **ребёнок** ~ **от пла́ча** йиғидан (йиғлай-йиғлай) боланинг овози бўғилиб қолди.

ОСИРОТЕ́ЛЫ/Й, -ая, -ое 1 етим қолган; ~**й ма́льчик** етим бола; 2 *перен.* яқин кишисидан (кишиларидан) ажралган; ёлғиз қолган, кимсасиз, ғариб; ~**й оте́ц** ёлғиз қолган ота; ғариб ота; **чу́вствовать себя́** ~**м** ўзини кимсасиз (ёлғиз, ғариб) ҳис қилмоқ; 3 *перен.* ташлаб кетилган, эгасиз қолган, ташландиқ, байталмон; ~**й дом** ташландиқ уй (ҳовли), чалдивор.

ОСИРОТЕ́/ТЬ 1 етим қолмоқ, ота-онасидан ажралмоқ; 2 *перен.* яқин кишисидан (кишиларидан) ажралмоқ, ёлғиз (кимсасиз) қолмоқ, ғариб бўлиб қолмоқ; 3 *перен.* эгасиз ўлиб қолмоқ, ташлаб кетилмоқ, ташландиқ бўлиб қолмоқ; байталмон қолмоқ; сабил қолмоқ; **край (ме́стность)** ~**л** ўлка (жой) ташландиқ бўлиб қолди.

ОСИРОТИ́/ТЬ, -очу́, -оти́шь *сов.* 1 *кого* етим қилмоқ, ота-онасидан ажратмоқ, ота-онасиз қолдирмоқ; **война́** ~**ла** мно́гих дете́й уруш кўп болаларни етим қолдирди; 2 *перен.* яқин кишисидан (кишиларидан) ажратмоқ, кимсасиз (ёлғиз) қолдирмоқ, ғариб қилиб қўймоқ.

ОСКА́БЛИВАТЬ *несов. см.* **оскобли́ть.**

ОСКА́Л *м* иржайиш, тишининг оқини кўрсатиш; **зверино́й** ~ **милитари́стов** *перен.* милитаристларнинг ваҳшиёна тиш қайраши.

ОСКА́ЛИВАТЬ *несов. см.* **оска́лить.**

ОСКА́ЛИВАТЬСЯ *несов. см.* **оска́литься.**

ОСКА́ЛИ/ТЬ *сов. (несов.* **оска́ливать**) *что* иржаймоқ, тишларини иржайтирмоқ, ириллаб тишининг оқини кўрсатмоқ; **соба́ка** ~**ла зу́бы** ит ириллаб тишларининг оқини кўрсатди; ✦ ~**ть зу́бы** *прост.* иржаймоқ, тиржаймоқ, тишининг оқини кўрсатиб кулмоқ.

ОСКА́ЛИ/ТЬСЯ *сов. (несов.* **оска́ливаться**) 1 иржаймоқ, тишларини иржайтирмоқ, иржайиб (ириллаб) тишининг оқини кўрсатмоқ; **волк** ~**лся** бўри ириллаб тишининг оқини кўрсатди; 2 *прост.* тишининг оқини кўрсатиб кулмоқ, тиржаймоқ, иржаймоқ.

ОСКАЛЬПИ́РОВАТЬ *сов. (несов.* **скальпи́ровать**) *кого* бош терисини (сочлари билан) шилиб олмоқ.

ОСКАНДА́ЛИТЬ *сов. кого разг.* шарманда (ўсал) қилмоқ; обрўсини тўкмоқ; бадном қилмоқ, хижолатда қолдирмоқ.

ОСКАНДА́ЛИТЬСЯ *сов. разг.* шарманда (ўсал) бўлмоқ, обрўсизланмоқ, бадном бўлмоқ; хижолатда қолмоқ; ~ **перед друзья́ми** дўстлари олдида шарманда (ўсал) бўлмоқ.

ОСКВЕ́РНИТЬ *сов. (несов.* **осквернять**) 1 *что рел.* ҳаром қилмоқ, мурдор қилмоқ, булғамоқ; ~ **святы́ню** муқаддас жойни ҳаром қилмоқ; 2 *кого-что* таҳқирламоқ, масхараламоқ, таҳқир қилмоқ, хор қилмоқ, хўрламоқ; расво қилмоқ; ~ **лу́чшие чу́вства** энг яхши ҳис-туйғуларни таҳқирламоқ; муҳаббатини таҳқирламоқ.

ОСКВЕРНИ́ТЬСЯ *сов. (несов.* **осквернять**) ўз-ўзини расво қилмоқ, масхара бўлмоқ; хўрланмоқ, расво бўлмоқ.

ОСКВЕРНЯ́ТЬ *несов. см.* **осквернить.**

ОСКВЕРНЯ́ТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **осквернить; 2** *страд. от* **осквернять.**

ОСКЛА́БИТЬ, -блю, -бишь *сов. разг.:* ~ **лицо́ (рот)** *то же, что* **оскла́биться.**

ОСКЛА́БИТЬСЯ, -блюсь, -бишься *сов. разг.* илжаймоқ, ишшаймоқ, оғзининг таноби қочмоқ, тиржайиб (оғзининг таноби қочиб, оғзи қулоғига етиб) кулмоқ; ~ **от удово́льствия** ҳузур қилиб илжаймоқ, хурсандликдан оғзи қулоғига етмоқ.

ОСКЛИЗЛЫЙ, -ая, -ое *разг. то же, что* **осли́злый.**

ОСКЛИЗНУТЬ, -ну, -нешь; -и́з, -и́зла *сов. прост. то же, что* **осли́знуть.**

ОСКОБЛИ́ТЬ *сов. (несов.* **оска́бливать**) *что* қириб ташламоқ, қириб тозаламоқ; ~ **кастрю́лю** кастрюлькани қириб тозаламоқ; ~ **пол** полни қириб тозаламоқ; ~ **грязь с подмёток** тагчармга ёпишган лойни қириб ташламоқ.

ОСКОЛ/ОК *м, р.* **-лка** 1 парча, бўлак, синиқ; ~**ок таре́лки** тарелка синиғи (парчаси); ~**ки кирпича́** ғишт парчалари, парчин ғиштлар; ~**ок снаря́да** снаряд парчаси; 2 *перен. чего* қолдиқ, қолган-қутган нарса; асорат; ~**ки про́шлого** ўтмиш(нинг) қолдиғи, асорати.

ОСКО́ЛОЧН/ЫЙ, -ая, -ое снаряд парчасидан етган; ~**ое ране́ние** снаряд парчасидан етган яра; 2 парчаланадиган; парчаланиб зарар етказадиган; ~**ый снаря́д** парчаланадиган (парчаланиб зарар етказадиган) снаряд.

ОСКО́МИН/А *ж* 1 тишнинг қамашиши; тишни қамаштириш; ~**а от ки́слых я́блок** аччиқ олмадан тиш қамашиш; 2 *перен.* бирор нарса ғашга (жонига) теккан ҳолат, тўйганлик, безорлик; **от его́ поуче́ний у меня́** ~**а** унинг насиҳатларидан тўйиб кетдим; унинг насиҳатлари жонимга тегди; ✦ **наби́ть** ~**у** *кому* жонига (ғашига) тегмоқ, безор қилмоқ; жонидан тўйдирмоқ.

ОСКОПИ́ТЬ, -плю́, -пи́шь *сов. (несов.* **оскопля́ть**) *кого* бичмоқ, ахта қилмоқ.

ОСКОПЛЯ́ТЬ *несов. см.* **оскопи́ть.**

ОСКОРБИ́ТЕЛЬ *м* ҳақорат (таҳқир) қилган киши, хўрловчи.

ОСКОРБИ́ТЕЛЬНИЦА *ж см.* **оскорби́тель.**

www.ziyouz.com kutubxonasi

ОСКОРБИ́ТЕЛЬНЫ/Й, -ая, -ое; -лен, -льна ҳақоратомуз, таҳқиромуз; ҳақоратли, таҳқирли, хўрлик келтирадиган, таҳқирлайдиган, нафсониятга (иззати-нафсга, шахсиятга) тегадиган, қаттиқ тегадиган; ~е выраже́ния ҳақоратомуз сўзлар, ҳақоратли иборалар; ~й тон ҳақоратловчи (ҳақоратли) оҳанг; **допуска́ть ~е намёки** таҳқиромуз қочиримлар қилмоқ.

ОСКОРБИ́/ТЬ, -блю́, -би́шь *сов.* (*несов.* **оскорбля́ть**) *кого-что* сўкмоқ, ҳақорат қилмоқ, таҳқир этмоқ, хўрлик келтирмоқ, қаттиқ ранжитмоқ, камситмоқ, нафсониятига (иззат-нафсига, шахсиятига) тегмоқ; оғир ботмоқ; **вы меня́ ~ли** сиз мени ҳақорат қилдингиз; э́то ~ло его́ самолю́бие бу унинг нафсониятига тегди; ✦ ~ть *чей* **слух (зре́ние, взор)** хунук кўринмоқ (эшитилмоқ), қулоққа ёқмаслик (кўзга ёмон кўринмоқ); ~ть де́йствием урмоқ, тарсаки (шапалоқ) солмоқ.

ОСКОРБИ́/ТЬСЯ, -блю́сь, -би́шься *сов.* (*несов.* **оскорбля́ться**) ўзига оғир олмоқ, қаттиқ ранжимоқ, хўрланиб кетмоқ, иззат-нафси олинмоқ.

ОСКОРБЛЕ́НИЕ *с* 1 *по гл.* **оскорби́ть** и **оскорби́ться**; 2 ҳақорат, таҳқир, сўкиш; **наноси́ть** ~ ҳақорат қилмоқ; **перенести́** ~ ҳақоратга қолмоқ, сўкиш эшитмоқ.

ОСКОРБЛЁН/НЫЙ, -ая, -ое 1 *прич. от* **оскорби́ть**; 2 хўрланган; иззати-нафси олинган, ранжиган; ~ый вид таҳқирланган (ранжиган) кўриниш; ✦ ~ая неви́нность ноҳақ таҳқирлангандек кўрсатиш.

ОСКОРБЛЯ́ТЬ *несов. см.* **оскорби́ть.**

ОСКОРБЛЯ́ТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **оскорби́ться**; 2 *страд. от* **оскорбля́ть.**

ОСКРЁБКИ *мн.* (*ед.* **оскрёбок** *м*) *разг.* 1 қирмоч; ~ **ка́ши** кашанинг қирмочи; 2 қиртиб-сиртиб (қоқиб-суқиб) олинган нарса.

ОСКУДЕВА́/ТЬ *несов. см.* **оскуде́ть**; **наро́д не ~ет тала́нтами** халқда (халқ ичида) талантлар (талантли кишилар) камаймайди.

ОСКУДЕ́Л/ЫЙ, -ая, -ое камбағаллашган, озайиб (камайиб, кичрайиб) қолган; ~ый род озайиб қолган авлод; инқирозга учраган (юз тутган) авлод; ~ое хозя́йство камбағаллашган хўжалик; тушкунликдаги хўжалик; ~ая расти́тельность кра́я ўлканинг сийраклашиб қолган ўсимликлари.

ОСКУДЕ́НИЕ *с по гл.* **оскуде́ть**; ~ **ро́да** авлоднинг озайиб кетиши; авлоднинг инқирозга юз тутиши (тутганлиги); ~ **хозя́йства** хўжаликнинг камбағаллашуви.

ОСКУДЕ́/ТЬ *сов.* (*несов.* **оскудева́ть**) 1 камбағаллашмоқ, озаймоқ, кичраймоқ; озайиб (камайиб, кичрайиб) қолмоқ; инқирозга юз тутмоқ, тушкунликка учрамоқ; **хозя́йство ~ло** хўжалик камбағаллашиб кетди; 2 *чем книжн.* камбағаллашмоқ, бирор бойлиги озаймоқ, камаймоқ, сийраклашмоқ.

ОСЛАБЕВА́НИЕ *с по гл.* **ослабева́ть**; ~ **пружи́ны** пружинанинг бўшашиб кетиши (қолиши); ~ **ве́тра** шамолнинг кучсизлашуви (пасайиши).

ОСЛАБЕВА́ТЬ *несов. см.* **ослабе́ть.**

ОСЛАБЕ́ЛЫЙ, -ая, -ое *разг.* куч-қувватдан қолган, заифлашган, дармонсизлашган, бўшашган, сусайган, ҳолсизланган, бедармон, заиф; ~ **организ́м** заифлашган (заиф) организм.

ОСЛАБЕ́/ТЬ *сов.* (*несов.* **ослабева́ть**) 1 куч-қувватдан қолмоқ, заифлашмоқ, дармонсизланмоқ, ҳолсизланмоқ, бўшашмоқ, лоҳас бўлмоқ, ҳолдан тоймоқ, сусаймоқ; ~ть по́сле гри́ппа гриппдан кейин дармонсизланиб қолмоқ; ~ть от изнури́тельной жары́ жазирама иссиқдан лоҳас бўлмоқ; 2 хиралашмоқ, ўтмаслашмоқ, заифлашмоқ, пасаймоқ, сусаймоқ; ожизроқ бўлиб қолмоқ; зре́ние ~ло кўз хиралашди; кўзлар ожизроқ бўлиб қолди; па́мять у него́ ~ла унинг хотираси пасайиб (сусайиб) қолди; 3 бўшашмоқ, шиддати озаймоқ, пасаймоқ, кучсизланмоқ, қайтмоқ; тушиб (пасайиб) қолмоқ; ве́тер ~л шамол секинлашди (пасайди); жара́ ~ла иссиқ қайтди; дисципли́на ~ла интизом бўшашиб кетди; 4 кучсизланмоқ, бўшашмоқ, кучсиз бўлиб (бўшаб, бўшашиб) қолмоқ; пружи́ны ~ли пружиналар бўшашиб кетибди; стру́ны ~ли торлар бўшаб (бўшашиб) кетибди; зу́бы ~ли тишлар бўшашиб (лиқиллаб) қолди.

ОСЛА́БИ/ТЬ, -блю, -би́шь *сов.* (*несов.* **ослабля́ть**) 1 *кого* куч-қувватдан қолдирмоқ, заифлаштирмоқ, дармонсизлантирмоқ; кучсизлантирмоқ; бўшаштирмоқ, ожизлантирмоқ; кучини олмоқ, беқувват қилиб қўймоқ; боле́знь ~ла его́ касаллик уни заифлаштирди (куч-қувватини олиб қўйди); 2 *что* бўшаштирмоқ, сусайтирмоқ, заифлаштирмоқ; ~ть внима́ние диққат-эътиборни бўшаштирмоқ (сусайтирмоқ); дисципли́на осла́блена интизом бўшаштириб юборилган; 3 *что* бўшатмоқ; бўшаштирмоқ, бўш қўймоқ; ~ть по́яс камарни бўшатмоқ (бўшаштирмоқ); ~ть пово́дья жиловни бўш қўймоқ.

ОСЛАБЛЕ́НИЕ *с по гл.* **осла́бить** и **ослабе́ть**; ~ **органи́зма** организмнинг заифлашиб кетиши; ~ **си́лы уда́ра** зарб кучини камайтириш; ~ **зре́ния** кўзнинг хиралашиб (ожизроқ бўлиб) қолиши; ~ **па́мяти** хотиранинг сусайиши (пасайиши).

ОСЛАБЛЯ́ТЬ *несов. см.* **осла́бить.**

ОСЛА́БНУТЬ, -ну, -нешь; -а́б, -а́бла *сов. разг. то же, что* **ослабе́ть.**

ОСЛА́ВИ/ТЬ, -влю, -вишь *сов. кого разг.* 1 кимса ҳақида гап тарқатмоқ, ёймоқ; ~ть лжеца́ на весь го́род ёлғончини бутун шаҳарга танитмоқ, шармандасини чиқармоқ; 2 *кем-чем* ...деб эълон қилмоқ; ~ли его́ сумасше́дшим уни ҳаммага жинни деб эълон қилдилар.

ОСЛА́ВИТЬСЯ, -влюсь, -вишься *сов. разг.* бадном бўлмоқ, ёмон от чиқармоқ; ~ **перед наро́дом** халқ олдида бадном бўлмоқ.

ОСЛЁНОК *м, р.* **-нка, *мн.*** **осля́та** хўтик, курра, эшак боласи.

ОСЛЕПИ́ТЕЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое; -лен, -льна 1 жуда ёруғ (равшан), кўзни оладиган, кўзни қамаштирадиган; ~ое со́лнце кўзни оладиган қуёш; ~ый снег кўзни оладиган (қамаштирадиган) оппоқ қор; 2 *перен.* ақлни оладиган, кўзни ўйнатадиган, ҳайратга соладиган; шукуҳли, дабдабали; ~ая краса́ акл ни оладиган гўзаллик; ~ый бал дабдабали бал.

ОСЛЕПИ́/ТЬ, -плю́, -пи́шь *сов.* (*несов.* **ослепля́ть**) *кого* 1 кўр қилмоқ; сўқир қилмоқ; кўздан қолдирмоқ; 2 кўзни олмоқ, қамаштирмоқ; ~ть лу́чом проже́ктора прожектор нури билан кўзни қамаштирмоқ; 3 *перен.* ақлини (эс-ҳушини) олмоқ, ақлини (эс-ҳушини) олиб, оғдириб қўймоқ; ҳайратда қолдирмоқ; **всех ~ла её краса́** унинг гўзаллиги ҳамманинг ақлини (эс-ҳушини) олиб қўйди; 4 *перен.* ақлини қочирмоқ, ақлдан оздирмоқ; **гнев ~л его́** ғазаб уни ақлдан оздирди, ғазаб унинг ақлини қочирди; ғазабидан унинг ақли қочди.

ОСЛЕПЛЕ́НИ/Е *с по гл.* **ослепи́ть**; ~е я́рким све́том ёрқин нур билан кўзни қамаштириш; ёрқин нурдан кўзларнинг қамашиши; 2 *перен.* ақлни йўқотган ҳолат, жаҳолат; **де́йствовать в ~и** ақлини йўқотган ҳолатда бирор иш қилмоқ, жаҳолат билан бирор иш қилиб қўймоқ.

ОСЛЕПЛЯ́ТЬ *несов. см.* **ослепи́ть.**

ОСЛЕ́ПНУТЬ, -ну, -нешь; -е́п, -е́пла *сов.* 1 кўр (сўқир) бўлиб қолмоқ, кўздан ажралмоқ (қолмоқ); кўриш қобилиятини йўқотмоқ; 2 кўзи қамашмоқ, кўзи тинмоқ; **на миг ~ от со́лнечного све́та** қуёш нуридан бир зум кўзи тинмоқ (кўзи қамашмоқ); 3 *перен.* ақлини йўқотмоқ, ҳеч нарсани кўрмай қолмоқ, жаҳолатга минмоқ; ~ от гне́ва ғазабдан жаҳолатга минмоқ.

ОСЛИ́ЗЛЫЙ, -ая, -ое шилимшиқ босган, шилимшиқли, тойғоқ, сирғанчиқ; ~ **ка́мень** шилимшиқ тош.

ОСЛИ́З/НУТЬ, -нет; -и́з, -и́зла *сов.* шилимшиқ босмоқ, шилимшиқ бўлиб қолмоқ, тойғоқ (сирғанчиқ) бўлиб қолмоқ; **доро́га ~ла от дождя́** йўл ёмғирдан тойғоқ бўлиб қолди.

ОСЛИК *м уменьш.-ласк. от* **осёл** кичкина (пастак) эшак.

ОСЛИН/ЫЙ, -ая, -ое 1 эшакка оид; эшак...; ~ые у́ши эшакнинг қулоқлари; 2 *перен.* эшакларга (эшакка ўхшаган одамларга) хос, эшакларча, эшакдек; ~ое упря́мство эшакларча (эшакдек) ўжарлик.

ОСЛИ́ХА *ж прост. то же, что* **осли́ца.**

ОСЛИ́ЦА *ж* урғочи эшак, моча; ✦ **валаа́мова** ~ *см.* **валаа́мов.**

ОСЛОЖНЕ́НИ/Е *с* 1 *по гл.* **осложни́ть** и **осложни́ться**; ~е полити́ческой обстано́вки сиёсий шароитнинг оғир-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лашиши (чигаллашиши, **мураккаблашиши**); 2 мураккаблик, мураккаб (чигал) аҳвол; чигаллик, мушкуллик, қийинчилик; мушкулот; **междунаро́дные ~я** халқаро (аҳволдаги) чалкашликлар (қийинчиликлар, мушкулликлар); **всё прошло́ без ~й** ҳамма иш қийинчиликсиз (силлиқ) битди; **3 асорат; ~е по́сле гри́ппа** гриппнинг асорати; **дать ~е** асорат қолдирмоқ; **боле́знь прошла́ без ~й** касаллик асорат қолдирмай ўтиб кетди.

ОСЛО́ЖНИ/ТЬ *сов.* (*несов.* **осложня́ть**) *что* 1 мураккаблаштирмоқ, мушкуллаштирмоқ, оғирлаштирмоқ, қийинлаштириш, чигаллаштирмоқ, чатоқлаштирмоқ, оғир (қийин, мушкул) аҳволга солиб қўймоқ; **~ть де́ло** ишни мураккаблаштирмоқ; **э́то ~ло его́ положе́ние** бу нарса унинг аҳволини мушкуллаштириб юборди (қўйди); **Ра́нний ледоста́в ~л доста́вку гру́зов по Ла́доге** (Вишневский) Дарёнинг эрта музлаб қолиши Ладога орқали шимолга (шимолий районларга) юк етказиб беришни қийинлаштириб қўйди; 2 касални оғирлаштирмоқ.

ОСЛО́ЖНИ/ТЬСЯ, -и́тся *сов.* (*несов.* **осложня́ться**) 1 мураккаблашмоқ, мушкуллашмоқ, оғирлашмоқ, қийинлашмоқ, чигаллашмоқ, чатоқлашмоқ; оғир (қийин, мушкул) аҳволга келмоқ; **положе́ние ~лось** аҳвол оғирлашди (мураккаблашди); 2 *чем* мураккаблашмоқ, оғирлашмоқ, оғир асорат қолдирмоқ; бошқа касаллик келиб қўшилмоқ.

ОСЛО́ЖНЯТЬ *несов. см.* **осложни́ть.**

ОСЛО́ЖНЯТЬСЯ, -я́ется *несов.* 1 *см.* **осложни́ться; 2** *страд. от* **осложня́ть.**

ОСЛУША́НИЕ *с разг. уст.* гапга (сўзга) кирмаслик, қулоқ солмаслик, бўйсунмаслик, итоат қилмаслик, қулоқсизлик; **наказа́ть за ~** қулоқсизлиги учун жазоламоқ.

ОСЛУ́ШАТЬ *сов.* (*несов.* **осл**у́**шивать**) *кого* қулоқ солиб кўрмоқ, эшитиб текшириб кўрмоқ; **~ больно́го** беморни қулоқ солиб текширмоқ.

ОСЛУ́ШАТЬСЯ *сов. кого-что разг.* гапга (сўзга) кирмаслик, қулоқ солмаслик, қулоқ солмай қўймоқ, бўйсунмаслик, итоат қилмаслик, итоат қилмай қўймоқ; **~ ста́рших** катталарнинг сўзига қулоқ солмаслик; **~ приказа́ния** буйруққа итоат қилмаслик.

ОСЛУ́ШИВАТЬ *несов. см.* **осл**у́**шать.**

ОСЛУ́ШНИК *м уст.* гапга (сўзга) кирмайдиган, қулоқ солмайдиган одам, итоатсиз, қулоқсиз.

ОСЛУ́ШНИЦА *ж см.* **осл**у́**шник.**

ОСЛЫ́ШАТЬСЯ *сов.* нотўғри (хато) эшитмоқ, янглиш (бошқача) эшитмоқ; **я не глухо́й, не мог ~** кар эмасман, нотўғри (янглиш) эшитишим мумкин эмас; **вы осл**ы́**шались** сиз нотўғри (янглиш, бошқача) эшитибсиз (тушунибсиз).

ОСЛЫ́ШКА *ж разг.* хато (янглиш) эшитиш, бошқача эшитиш, янглиш (бошқача) эшитилган сўз.

ОСМА́ЛИВАНИЕ *с по гл.* **осма́ливать; ~ ло́дки** қайиқ қа смола суртиш; қайиқни смолалаш.

ОСМА́ЛИВАТЬ *несов. см.* **осмоли́ть.**

ОСМА́НСК/ИЙ, -ая, -ое Усмонли туркларга оид; Усмонли турк(лар)...; **Осма́нская импе́рия** *ист.* Усмонли турк империяси.

ОСМА́НЫ *мн.* Усмонли туркlар.

ОСМА́ТРИВАТЬ *несов. см.* **осмотре́ть.**

ОСМА́ТРИВАТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **осмотре́ться; 2** *страд. от* **осма́тривать.**

ОСМЕ́ИВАТЬ *несов. см.* **осмея́ть.**

ОСМЕЛЕ́/ТЬ *сов.* дадилланмоқ, дадиллашмоқ, дадиллиги ошиб журъат қилмоқ, ботинмоқ; **Осмелёвший Пе́тька подобра́лся к са́мой пала́тке** (Гайдар) Дадиллашган Петька палатканинг ёнигача етиб борди.

ОСМЕ́ЛИВАТЬСЯ *несов. см.* **осме́литься.**

ОСМЕ́ЛИТЬСЯ *сов.* (*несов.* **осме́ливаться**) журъат қилмоқ, юраги дов бермоқ, ботинмоқ; **~ спроси́ть** сўрашга журъат қилмоқ (ботинмоқ); журъат қилиб сўрамоқ.

ОСМЕЯ́НИЕ *с по гл.* **осмея́ть; ~ недоста́тков** нуқсонлардан кулиш.

ОСМЕЯ́ТЬ *сов.* (*несов.* **осме́ивать**) *кого-что* масхара қилмоқ, кулмоқ, мазах (калака) қилмоқ; **~** *кого-л.* кимсани мазах қилмоқ; кимсанинг устидан кулмоқ; **~ невеже́ство** нодонлигидан кулмоқ, нодонлиги учун масхара (калака) қилмоқ.

ОСМОЛИ́ТЬ *сов.* (*несов.* **осма́ливать**) *что* смолаламоқ, смола суркамоқ, смола сингдирмоқ; **~ ло́дку** қайиқни смолаламоқ.

ОСМО́ЛКА *ж по гл.* **осмоли́ть; ~ шпал** шпалаларни смолалаш.

ОСМО́ТР *м* 1 *по гл.* **осмотре́ть; ~ музе́я** музейни кўриш, музейни томоша қилиш; **~ бага́жа** багажни кўздан кечириш (текшириш); 2 кўрик; текширув; текшириш; **врачебный (медици́нский) ~** медицина кўриги; **техни́ческий ~** техника кўриги.

ОСМО́ТРЕТЬ, -отрю́, -о́тришь *сов.* (*несов.* **осма́тривать**) *кого-что* 1 кўриб чиқмоқ, кўздан кечирмоқ, текшириб кўрмоқ, текширмоқ; **~ кварти́ру** квартирани кўздан кечирмоқ (қараб чиқмоқ); 2 кўрикдан (текширувдан) ўтказмоқ; кўриб чиқмоқ; **~ больны́х** беморларни кўриб чиқмоқ, беморларни текширувдан ўтказмоқ; **3** томоша қилмоқ, кўриб танишиб чиқмоқ; **~ го́род** шаҳарни томоша қилмоқ (кўриб чиқмоқ); **~ карти́нную галере́ю** суратлар галереясини томоша қилмоқ; **~ достопримеча́тельности го́рода** шаҳарнинг диққатга сазовор жойларини томоша қилмоқ.

ОСМО́ТРЕ/ТЬСЯ, -отрю́сь, -о́тришься *сов.* (*несов.* **осма́триваться**) 1 атрофга (у ёқ-бу ёққа) қарамоқ, атрофни кўздан кечирмоқ, атрофга кўз ташламоқ (кўз югуртирмоқ); ҳар томонга қарамоқ, аланглamоқ; **я ~лся, но никого́ не обнару́жил** мен у ёқ-бу ёққа қарадим, лекин ҳеч кимни кўрмадим; 2 ўзини кўздан кечирмоқ, ўзига қарамоқ (разм солмоқ); **де́вушка ~лась в зе́ркало** қиз ойнага қараб ўзини кўздан кечирди; **3** *перен.* танишмоқ, танишиб чиқмоқ; шароитини (паст-баландини) ўрганмоқ, азмойишини (пойчоғини) олмоқ; **~ться на но́вом ме́сте** янги жой билан танишмоқ, янги жойнинг азмойишини олмоқ.

ОСМОТРИ́ТЕЛЬНО *нареч.* эҳтиёткорлик билан, эҳтиётини қилиб, кетини ўйлаб, эҳтиёткорона, эҳтиёт шарт; **поступа́ть ~** эҳтиёткорлик билан иш тутмоқ.

ОСМОТРИ́ТЕЛЬНОСТЬ *ж* эҳтиёткорлик, эҳтиёткорлик билан (кетини ўйлаб) иш тутиш; **де́йствовать с ~ю** эҳтиёткорлик билан иш тутмоқ (ҳаракат қилмоқ).

ОСМОТРИ́ТЕЛЬНЫЙ, -ая, -ое; -лен, -льна эҳтиёткор, эҳтиётли; эҳтиёткорлик билан (кетини ўйлаб) иш тутадиган; эҳтиёткорлик билан (кетини ўйлаб) қилинган; **~ челове́к** эҳтиёткор одам; **~ посту́пок** эҳтиёткорлик билан қилинган ҳаракат.

ОСМО́ТРЩИК *м* текширув ўтказиб турувчи ходим, назоратчи; **~ ваго́нов** вагонларни текшириб турувчи ходим, вагон назоратчиси.

ОСМЫСЛЕ́НИЕ *с по гл.* **осмы́слить; ~ происходя́щих собы́тий** юз бераётган ҳодисаларни тушуниб етиш (англаш).

ОСМЫСЛЕННО *нареч.* онгли равишда, тушуниб, фаҳмига етиб, билиб; маъноли; **поступа́ть ~** онгли равишда иш тутмоқ; **ребёнок уже́ смо́трит ~** бола ҳамма нарсага маъноли (тушуниб) қарайдиган бўлиб қолди.

ОСМЫ́СЛЕННОСТЬ *ж* 1 тушунчилганлик; англаб олинганлик; 2 онглилик; маънолилик, бамаънилик; **~ взгля́да** қарашнинг (нигоҳнинг) маънолилиги; **~ посту́пков** хатти-ҳаракатнинг онглилиги (маънолилиги, бамаънилиги).

ОСМЫ́СЛЕННЫЙ, -ая, -ое 1 *прич. от* **осмы́слить; 2** *в знач. прил.* онгли, маъноли, бамаъни; тушунган; тушуниб (билиб, онгли равишда) қилинган; **~ отве́т** онгли жавоб, бамаъни жавоб; **~ взгляд** маъноли қараш; бамаъни кўриниш.

ОСМЫ́СЛИВАТЬ *несов. см.* **осмы́слить.**

ОСМЫ́СЛИТЬ *сов.* (*несов.* **осмы́сливать и осмысля́ть**) *что* тушуниб етмоқ, англамоқ, фаҳмлаб олмоқ, фаҳмига етмоқ, мағзини чақмоқ; **~ происше́дшее** юз берган воқеани тушуниб етмоқ; нима бўлаётганини тушуниб (англаб) олмоқ; **~ прочи́танное** ўқилганларни тушуниб олмоқ.

ОСМЫ́СЛЯТЬ *несов. см.* **осмы́слить.**

ОСНАСТИ́ТЬ, -ащу́, -асти́шь *сов.* (*несов.* **оснаща́ть**) *что* 1 *мор.* жиҳозламоқ, ускуналамоқ; **~ су́дно** кемани жиҳозламоқ; 2 ускуналамоқ, жиҳозламоқ, асбоб-ускуна (керак-яроғ, қурол-аслаҳа) билан таъминламоқ, қуроллантирмоқ; **~ заво́д но́выми станка́ми** заводни янги станоклар билан ускуналамоқ; **~ се́льское хозя́йство но́вой те́хникой** қишлоқ хўжалигини янги техника билан қуроллантирмоқ; **~ а́рмию** армияни қурол-яроғ билан таъминламоқ.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ОСНАСТК/А *ж* 1 *по гл.* **оснасти́ть; ~а конве́йерной ли́нии** конвейер линиясини ускуналаш; 2 елканли кема жиҳозлари (елкан ва арқонлар); **~у сорва́ло бу́рей** елкан ва арқонларни бўрон учириб кетди; 3 *тех.* асбоб-ускуна, керак-яроғ; **~а фре́зерного станка́** фрезерлаш станогининг ускуналари.

ОСНАЩА́ТЬ *несов. см.* **оснасти́ть.**

ОСНАЩЕ́НИЕ *с* 1 *по гл.* **оснасти́ть 2; ~ наро́дного хозя́йства нове́йшей те́хникой** халқ хўжалигини энг янги техника билан таъминламоқ; 2 асбоб-ускуна, керак-яроғ; **но́вое ~** янги асбоб-ускуна.

ОСНАЩЕ́ННОСТЬ *ж* қуролланганлик, ускуналанганлик, жиҳозланганлик (керакли қурол-яроғ, асбоб, машина ва ш. к. билан таъминланганлик); **высо́кая техни́ческая ~ се́льского хозя́йства** қишлоқ хўжалигининг юксак даражада техника билан қуролланганлиги.

ОСНЕ́ЖЕНН/ЫЙ и **ОСНЕЖЁННЫЙ, -ая, -ое** қор босган, қор билан қопланган; **~ая степь** қор босган чўл.

ОСНО́В/А *ж* 1 таянчиқ, негиз, асос, пойдевор; **стальна́я ~а сооруже́ния** иншоотнинг пўлат негизи (пойдевори); 2 *перен.* асосий қисм, ўзак, негиз, асос; **наро́дная ~а о́перы** опера асосини ташкил этган халқчиллик; **заложи́ть ~у** *чего-л.* бирор нарсага асос (негиз) солмоқ; **подорва́ть ~у** негизига путур етказмоқ; 3 *мн.* **~ы** асос, негиз; **~ы семьи́** оиланинг негизи, оилага асос бўлган нарса; 4 *мн.* **~ы** асосий қоидалар, қонунлар; асослар; **~ы ма́ркси́зма-ленини́зма** марксизм-ленинизм асослари; **~ы я́дерной фи́зики** ядро физикасининг асослари; 5 *грам.* негиз; **~а сло́ва** сўз(нинг) негизи; **~а глаго́ла** феъл(нинг) негизи; 6 *текст.* ўриш (ип); ✦ **на ~е** *чего* асосланиб, асосида; **класть в ~у** асос қилиб олмоқ; **лечь в ~у** *чего* асос (негиз) бўлмоқ.

ОСНОВА́НИ/Е *с* 1 *по гл.* **основа́ть; ~е университе́та** университетни ташкил этиш; университетнинг ташкил (барпо) этилиши; **вре́мя ~я** *чего-л.* бир нарсанинг тузилган (ташкил топган) вақти; 2 асос, пойдевор, замин; **~е коло́нны** устун асоси; **~е стены́** девор пойдевори, пойдевор; 3 остки (ост) қисм; ост, туб; этак; **~е горы́** тоғ этаги; тоғ ости; 4 *перен.* асос бўлган (бўладиган) нарса; асос солган нарса, асос; **фронтовы́е за́писи послужи́ли ~ем для по́вести** фронтда ёзиб борилган хотиралар повестга асос бўлди; 5 *мн.* **~я** *уст. то же, что* **осно́ва** 4; **~я дифференциа́льного исчисле́ния** дифференциал ҳисоб асослари; 6 сабаб, баҳона, важ, дадил; ҳужжат; асос; **на зако́нном ~и** қонуний асосда, қонун асосида, қонунга мувофиқ (биноан, асосан); **~й для отка́за не́ было** рад қилишга (йўқ дейишга) асос (баҳона, сабаб) йўқ эди; 7 *мат.* асос; **~е треуго́льника** учбурчакнинг асоси; 8 *хим.* асос; ✦ **до ~я** бутунлай, тамоман, таг-томири (таг-туги) билан, тубигача; **потрясти́ до ~я** бутунлай (таг-томири билан) ларзага келтирмоқ.

ОСНОВА́ТЕЛЬ *м* асос солган шахс, асосчи; **В. И. Ле́нин — ~ Сове́тского госуда́рства** В. И. Ленин Совет давлатининг асосчисидир; **~ музе́я** музей(нинг) асосчиси.

ОСНОВА́ТЕЛЬНИЦА *ж см.* **основа́тель.**

ОСНОВА́ТЕЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое; -лен, -льна 1 жиддий (ишонарли) асосга эга болган, асосли, ишонарли, ишончли, пухта; **~ая причи́на** ишонарли (асосли) сабаб; **~ые до́воды** ишонарли (ишончли, пухта) далиллар; 2 жиддий, пухта, таги мустаҳкам, таг-тубли; **он челове́к ~ый** у жиддий одам; **Лю́ди здесь все ~ые, зажи́точные** (Чехов) Бу ердаги одамларнинг ҳаммаси таг-тугли (таги мустаҳкам), ўзига тўқ одамлар; 3 мустаҳкам, маҳкам, пухта; **~ое сооруже́ние** мустаҳкам иншоот; 4 астойдил (тубли равишда) ишланган (ишланадиган), жиддий, пухта; **~ый крити́ческий разбо́р** пухта (тубли) танқидий таҳлил; **~ая рабо́та** жиддий (пухта) иш; 5 *разг.* каттагина, оғиргина; яхшигина; кучли; зўр; **ру́копись ~ых разме́ров** каттагина қўл ёзма; **~ый груз** оғиргина юк.

ОСНОВА́ТЬ, -ную, -нуёшь *сов.* (*несов.* **осно́вывать**) *что* 1 қурмоқ, яратмоқ; тузмоқ, ташкил этмоқ, барпо қилмоқ; асос солмоқ; **~ го́род** шаҳар қурмоқ; шаҳарга асос олмоқ; **~ о́бщество** жамият тузмоқ; **университе́т в Ташке́нте осно́ван в 1918 году́** Ташкентда университет 1918 йилда ташкил этилган; 2 *на чём* асосламоқ, асос қилиб олмоқ; таянмоқ; **~ свои́ до́воды на фа́ктах** ўз мулоҳазаларини фактлар билан асосламоқ; **его́ вы́воды ни на чём не осно́ваны** унинг хулосалари ҳеч нарса билан асосланмаган.

ОСНОВА́/ТЬСЯ, -нуюсь, -нуёшься *сов.* (*несов.* **осно́вываться**) 1 тузилмоқ, қурилмоқ, яратилмоқ, ташкил топмоқ; **наш колхо́з ~лся 20 лет наза́д** колхозимиз 20 йил бурун ташкил топган (тузилган); 2 ўрнашмоқ, жойлашмоқ; жойлашиб (ўрнашиб) олмоқ; қўним топмоқ; **~ться на но́вой кварти́ре** янги квартирага ўрнашиб олмоқ; янги квартирада қўним топмоқ.

ОСНО́ВН/ОЙ, -а́я, -о́е 1 асосий, туб, бош; энг муҳим; **~о́й зако́н** асосий қонун; **~о́й моти́в** асосий далил (баҳона); **~а́я зада́ча** асосий вазифа, энг муҳим масала; **~а́я причи́на** асосий сабаб; бош сабаб; **~ы́е о́трасли эконо́мики** экономиканинг асосий тармоқлари; 2 *в знач. сущ.* **~о́е** *с* энг муҳими; асосий қисми; мағзи; асосий иш (масала, вазифа ва ш. к.); **~о́е уже́ сде́лано** асосий қисми қилинган (битган); асосий иш бажарилди (бажарилган); **~о́е заключа́ется не в э́том** энг муҳими (мағзи) бу (бунда) эмас; **~о́е — доби́ться поста́вленной це́ли** энг муҳими — мақсадга эришиш; ✦ **в ~о́м** асосан, умуман олганда; деярли.

ОСНО́ВНЫ/Й I, -ая, -ое *хим.* асосли; **о́кислы ~е** асосли оксидлар; **со́ли ~е** асосли (гидрокси) тузлар.

ОСНО́ВНЫ/Й II, -ая, -ое *текст.* ўришга оид; ўриш...; **~е ни́ти** ўриш иплари.

ОСНОВОПОЛАГА́ЮЩИ/Й, -ая, -ее асос бўладиган, энг муҳим, асосий; асос соладиган (солувчи); **~е при́нципы** энг муҳим (асосий) принциплар; **~е труды́ кла́ссиков ма́ркси́зма-ленини́зма** марксизм-ленинизм классикларининг энг муҳим (асос солувчи) асарлари.

ОСНОВОПОЛО́ЖНИК *м* асос солган (бошлаб берган) киши; асос солувчи, негиз қурувчи; асосчи; **~и нау́чного коммуни́зма** илмий коммунизм асосчилари.

ОСНО́ВЫВАТЬ *несов. см.* **основа́ть.**

ОСНО́ВЫВА/ТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **основа́ться; 2** *на чём* асосланмоқ; таянмоқ, суянмоқ; асос қилиб олмоқ; **~ться на фа́ктах** далилларга таянмоқ; **~ться на предположе́ниях** тахминларга асосланмоқ; 3 *на чём* асосланмоқ, асосида тузилмоқ (қилинмоқ); **прое́кт ~ется на учёте реа́льных возмо́жностей** проект бор имкониятларни ҳисобга олиб тузилади; 4 *страд. от* **осно́вывать.**

ОСО́Б/А *ж* 1 кимса, шахс, киши, одам, зот, бирор; **~а же́нского по́ла** хотин киши; **почте́нная ~а** ҳурматли киши; **духо́вная ~а** руҳоний одам; **вздо́рная ~а** бемаъни (бемаза) одам; жанжалкаш хотин, манжалақи; 2 *уст.* и *ирон.* ҳурматли (машҳур) киши, улуғ зот (одам); **Что же мы таку́ю ~у беспоко́им для ме́лких люде́й** (Некрасов) Наҳотки шундай бир улуғ зотни арзимас одамлар учун безовта қилсак; **поду́маешь, ва́жная ~а!** улуғ зот (одам) бўлсалар, ўзларига!; 3 *разг.* хотин киши, аёл; 4 *уст.* нотаниш одам (жаноб); **неизве́стная ~а** қандайдир бир киши, нотаниш (номаълум) бир жаноб; ✦ **своей (со́бственной) ~о́й** шахсан ўзи; ўзлари; **яви́лись со́бственной ~о́й** шахсан ўзи келди; шахсан ўзлари келдилар.

ОСО́БЕННО *нареч.* 1 хусусан, айниқса, биринчи навбатда, энг аввал, аввало; **на́до обрати́ть внима́ние ~ на э́тот вопро́с** айниқса (аввало) шу масалага эътибор бериш керак; 2 атайлаб, алоҳида; **~ для госте́й** атайлаб меҳмонлар учун, алоҳида меҳмонларга атаб; 3 бошқача, ўзгача; ғоят, жуда ҳам; айниқса; **сего́дня ~ хо́лодно** бугун айниқса совуқ, бугун бошқача совуқ; **вчера́ я ~ уста́л** кеча ғоят чарчадим; ✦ **не ~** унчалик эмас, айтарли эмас; **э́то не ~ прия́тно** бу унча ёқимли эмас.

ОСО́БЕННОСТ/Ь *ж* ўзига хос хусусият, фазилат, хосса; **~ь рома́на** романнинг ўзига хос хусусияти; **отличи́тельная (характе́рная) ~ь** фарқловчи хусусият, ўзига хос хусусият; ✦ **в ~и** айниқса, хусусан, биринчи навбатда, аввало.

ОСО́БЕНН/ЫЙ, -ая, -ое 1 ўзига хос, алоҳида, ўзгача, бошқача; бошқаларга ўхшамайдиган; ажойиб; қизиқ, ғалати; **он челове́к ~ый** у ўзига хос одам; у ажойиб одам; у қизиқ (ғалати) одам; **э́то ~ый слу́чай** бу алоҳида (қизиқ) бир ҳол; **у него́ ~ый тала́нт** унда алоҳида (ўзига хос) бир талант бор; **в э́том нет ничего́ ~ого** бунинг ҳеч қизиқ жойи йўқ; 2 одатдагидан (ҳар вақтдагидан) кучлироқ, бошқачароқ, ўзгачароқ; бошқача, ўзгача, катта;

www.ziyouz.com kutubxonasi

дождь лил с ~ой си́лой ёмғир одатдагидан кучлироқ ёғмоқда (кўп қуймоқда) эди; **без ~ого труда́** унча катта куч сарф қилмасдан, унча қийналмасдан; 3 *уст.* алоҳида, холис, холи; **~ый кабине́т** алоҳида кабинет; 4 махсус; **Ны́не во́ всей просвещённой Евро́пе чи́стят но́гти ~ой щёточкой** (Пушкин) Ҳозир маърифатли Европанинг ҳамма жойида тирноқни махсус чўткача билан тозалайдилар.

ОСО́БИЦ/А *ж:* **на (в) ~у** *уст.* и *прост.* алоҳида, бошқалардан ажратиб (ажралиб), айрим, ўзгача, ёлғиз; **де́йствовать в ~у** ўзича (ёлғиз ўзи) иш қилмоқ; **поклони́ться в ~у** алоҳида ўзига (ёки ҳар бир кишига алоҳида-алоҳида) салом бермоқ.

ОСО́БНЯК *м, р.* **-а́** айрим (алоҳида) уй, хос уй; данғиллама ҳовли; тоқ-равоқ **деревя́нный ~** алоҳида ёғоч уй; **жить в ~е́** алоҳида уйда (тоқ-равоқда) яшамоқ.

ОСО́БНЯКО́М *нареч.* алоҳида, айрим, ёлғиз; бошқалардан четда, бошқаларга қўшилмасдан, ажралиб; **их дом стои́т ~** уларнинг уйлари бошқалардан четроқда; **держа́ться ~** бошқалардан четда (ажралиб) турмоқ.

ОСО́БО *нареч.* 1 алоҳида, бошқаларга қўшилмасдан, бошқалардан нарида, четда, ажралган ҳолда, ёлғиз; **жить ~** ёлғиз (алоҳида) яшамоқ; 2 айниқса, хусусан; **сле́дует ~ подчеркну́ть, что...** шуни алоҳида таъкидлаш лозимки...; 3 атайлаб, алоҳида, махсус; **~ для вас** атайлаб сиз учун, сиз учун махсус.

ОСО́Б/ЫЙ, -ая, -ое 1 ўзига хос, алоҳида, айрим, бошқалардан фарқли, бошқача, ўзгача; **~ые права́** алоҳида ҳуқуқлар; **быть на ~ом положе́нии** алоҳида шароитда бўлмоқ; **~ое внима́ние** алоҳида эътибор (ҳурмат); 2 ортиқ даражадаги, катта, зўр, алоҳида; **гром греме́л с ~ой си́лой** момақалдироқ жуда қаттиқ гулдирарди; **без ~ого интере́са** *к чему-л.* унча (ортиқча) қизиқмасдан; **отлича́ться ~ыми спосо́бностями** алоҳида қобилият билан ажралиб турмоқ; 3 алоҳида, айрим, холис; **~ый но́мер** алоҳида номер (меҳмонхонада); 4 махсус, алоҳида, ихтисослашган; **~ая коми́ссия** алоҳида (махсус) комиссия; **до ~ого распоряже́ния** махсус буйруқ чиққунга қадар.

О́СОБ/Ь *ж биол.* ҳар бир зот, жон эгаси, организм; **~ь же́нского по́ла** урғочи (мода) жинсига мансуб зот (организм); **коли́чество ~ей ре́дких живо́тных** нодир ҳайвонларнинг сони.

О́СОБЬ: ~ статья́ *разг.* бутунлай бошқа; **э́то ~ статья́** бу бутунлай бошқа нарса, бу бутунлай бошқа гап (иш, аҳвол ва ш. к.).

ОСОВЕ́ЛЫ/Й, -ая, -ое *разг.* уйқусираган, уйқу босган, уйқули, ланж, қарахт; маъносиз; **~й взгляд** уйқусираб қараш; маъносиз қараш; **смотре́ть ~ми глаза́ми** уйқусираган кўз билан қарамоқ, бўшашган ҳолда қарамоқ.

ОСОВЕ́ТЬ *сов. разг.* уйқусирамоқ, уйқу (мурдоқ) босмоқ, уйқу босиб (ёки чарчаб, мастликдан) қарахт бўлмоқ, бўшашмоқ, ланж бўлмоқ; **~ от уста́лости** чарчашдан ланж бўлмоқ (бўшашмоқ); чарчаб кўзлари юмилиб бормоқ.

ОСОВРЕМЕ́НИВАТЬ *несов. см.* **осовреме́нить.**

ОСОВРЕМЕ́НИТЬ *сов.* (*несов.* **осовреме́нивать**) *что разг.* замонавийлаштирмоқ, ҳозирги замонга мосламоқ, замон талабига мувофиқлаштирмоқ; **~ пье́су** пьесани замонавийлаштирмоқ.

ОСОВРЕМЕ́НИ/ТЬСЯ *сов.* замонавийлашмоқ ҳозирги замонга мослашмоқ, ҳозирги талабларга мувофиқлашмоқ, замон талабига мослашмоқ; **моде́ли оде́жд ~лись** кийимларнинг моделлари замонавийлашди.

ОСОЕ́Д *м* арихўр (қуш).

ОСОЗНАВА́ТЬ, -знаю́, -знаёшь *несов. см.* **осозна́ть.**

ОСОЗНА́НИЕ *с по гл.* **осозна́ть; ~ свое́й вины́** ўз айбини тушуниш; ўз айбига иқрор бўлиш; **~ опа́сности** хавфни англаш (тушуниб етиш); **~ ответственности** масъулиятни тушуниш (сезиш); **~ но́вой иде́и** янги ғояни тушуниб олиш.

ОСОЗНА/ТЬ *сов.* (*несов.* **осознава́ть**) *что* англамоқ, тушуниб олмоқ, тушуниб етмоқ, фаҳмламоқ; тан олмоқ, иқрор бўлмоқ; **он ~л свою́ оши́бку** у ўз хатосини тушунди; у ўз хатосини тан олди; — **Тепе́рь мы по́лностью ~ли свою́ си́лу и своё значе́ние** (Казакевич)— Биз энди ўзимизнинг кучимиз ва аҳамиятимизни тўлиқ тушуниб олдик.

ОСО́КА *ж* қиёқ, қиёқ ўт, барди: **~ туркестанская** қорақиёқ.

ОСО́КОВЫ/Й, -ая, -ое 1 қиёққа оид, қиёқ ўсган (босган); қиёқли; қиёқ...; **~е за́росли** қиёқзор, қиёқ ўсган (босган) жой; 2 *в знач. сущ.* **~е** *мн. бот.* қиёқлар.

ОСОКО́РНИК *м* қоратеракзор.

ОСОКО́РЬ *м* қоратерак.

ОСОЛА́ЖИВАНИЕ *с с.-х.* солодлаш, солод (ундириб янчилган буғдой, арпа ва ш. к.) қўшиш, шу йўл билан емхашак сифатини яхшилаш.

ОСОЛОВЕ́ЛЫЙ, -ая, -ое *разг. то же, что* **осове́лый.**

ОСОЛОВЕ́ТЬ *сов. разг. то же, что* **осове́ть.**

ОСО́Т *м бот.* бўзтикан.

ОСО́ТОВЫЙ, -ая, -ое бўзтиканга оид; бўзтикан...

ОСП/А *ж* 1 чечак; **чёрная ~а** қора чечак; **ветряна́я ~а** сувчечак; **приви́ть ~у** чечак чекмоқ, чечакка қарши эмламоқ; 2 *разг.* чечак ўрни (изи), чўтир; **лицо́ в ~е** чўтир юз.

ОСПА́РИВАНИЕ *с по гл.* **оспа́ривать; ~ прав** *на что-л.* ҳақ-ҳуқуқ талашиш; **~ пе́рвенства** *в чём-л.* биринчилик учун курашиш (баҳслашиш); биринчиликни талашиш.

ОСПА́РИВАТЬ *несов.* 1 *см.* **оспо́рить;** 2 мусобақа қилмоқ, курашмоқ, талашмоқ, баҳслашмоқ; **~ пе́рвенство ми́ра по ша́хматам** шахматдан жаҳон биринчилигини олиш (қўлга киритиш) учун курашмоқ; **~ пе́рвую пре́мию** биринчи мукофот учун курашмоқ.

ОСПЕ́ННЫЙ, -ая, -ое чечак касалига оид; чечакдан қолган; чечак...; **~ая эпиде́мия** чечак эпидемияси.

О́СПИНА *ж* чечак ўрни (изи), чўтир.

ОСПОПРИВИВА́НИЕ *с* чечак чекиш, чечакка қарши эмлаш.

ОСПОПРИВИВА́ТЕЛЬНЫЙ, -ая, -ое чечак чекадиган; чечакка қарши эмлаш...; **~ инструме́нт** чечак чекиш (чечакка қарши эмлаш) асбоби; **~ пункт** чечак чекиш пункти.

ОСПО́РИМ/ЫЙ, -ая, -ое баҳслашса (рад, инкор қилса) бўладиган, ишончли бўлмаган, мунозарали, тортишувли, шубҳали; **легко́ ~ое утвержде́ние** осонгина рад (инкор) қилиниши мумкин бўлган даъво.

ОСПО́РИТЬ *сов.* (*несов.* **оспа́ривать**) *что* баҳслашмоқ, эътироз билдирмоқ, талашмоқ, тортишмоқ, қарши чиқмоқ; баҳсда (тортишувда) нотўғрилигини исботламоқ (кўрсатмоқ); **~ вы́воды** хулосаларга эътироз билдирмоқ; **~ чьё-л. мне́ние** бировнинг фикрига қарши чиқмоқ; **его́ до́воды тру́дно ~** унинг далилларини рад қилиш осон эмас (қийин).

ОСРАМИ́ТЬ, -млю́, -ми́шь *сов.* (*несов.* **срами́ть**) *кого* шарманда қилмоқ, расво қилмоқ, уялтириб (қизартириб) қўймоқ, хижолатда қолдирмоқ; **~ перед всем наро́дом** бутун халқ (халойиқ, эл-юрт) олдида шарманда қилмоқ.

ОСРАМИ́ТЬСЯ, -млю́сь, -ми́шься *сов.* (*несов.* **срами́ться**) шарманда бўлмоқ, расво бўлмоқ, уялиб (қизариб) қолмоқ, хижолат бўлмоқ (тортмоқ); **~ перед незнако́мым челове́ком** нотаниш одам олдида хижолат бўлиб қолмоқ.

ОСТ *м* 1 *мор.* шарқ, кунчиқар (кунчиқиш) томони; **идти́ на ~** шарққа (кунчиқиш томонига) юрмоқ; 2 *мор. метеор.* шарқий шамол, шарқ шамоли.

ОСТАВА́ТЬСЯ, остаю́сь, остаёшься *несов. см.* **оста́ться; счастли́во ~!** яхши қолинг!; **всем ~ на места́х!** ҳамма жойида қолсин!; ҳеч ким жойидан жилмасин!

ОСТА́ВИ/ТЬ, -влю, -вишь *сов.* (*несов.* **оставля́ть**) 1 *кого-что* қолдирмоқ, ташлаб кетмоқ; унутиб (эсдан чиқариб) қолдириб кетмоқ; **~ть запи́ску** хат ташлаб кетмоқ; **очки́ ~л до́ма** кўзойнакни уйда қолдирибман, кўзойнак эсдан чиқиб уйда қолибди; **дете́й мы ~м до́ма** биз болаларни уйда қолдирамиз (уйга ташлаб кетамиз); **маши́ну мы ~ли за углу́м** машинани муюлишда қолдирдик; 2 *кого-что* қўймоқ, бериб (топшириб, қуйиб) кетмоқ, қолдириб кетмоқ; топширмоқ; **~ть ве́щи в ка́мере хране́ния** нарсаларни камера хранениега топширмоқ; 3 *кого-что* ўзига қолдирмоқ, қолдириб кетмоқ; олиб қўймаслик; 4 *что* асар (из, таассурот ва ш. к.) қолдирмоқ, туғдирмоқ; **~ть глубо́кий след в па́мяти** хотирада чуқур из қолдирмоқ; **~ть хоро́шее впечатле́ние** яхши таассурот қолдирмоқ (туғдирмоқ); 5 *что* сақламоқ; олиб қўймоқ; атаб қолдирмоқ; **~ть про запа́с** запас (қўр) қилиб қўймоқ; **~ть на семена́** уруғликка қолдирмоқ; **~ть ме́сто** *для кого-л.* **кимсага жой**

www.ziyouz.com kutubxonasi

оли́б (сақлаб) қўймоқ; кимсага атаб жой қолдирмоқ; **6** *что* қўймоқ, қолдирмоқ; **~ть бо́роду** соқол қўймоқ; **7** *что* мерос (ёки ворис) қилиб қолдирмоқ, васият қилиб қолдирмоқ; **оте́ц ~л им дом** отаси уларга уй мерос қолдириб кетди; отасидан уларга уй мерос қолди; **Гаври́ла Гаври́лович скончался, оста́вя её насле́дницей всего́ имéния** (Пушкин) Гаврила Гаврилович вафот қилди, унинг ер-мулкига қизи ворис бўлиб қолди; **8** *кого-что* бирор ҳолатда қолдирмоқ, шундайлигича (ўзгаришсиз) қолдирмоқ; **~ть всё без измене́ния** ҳамма нарсани ўзича (қандай бўлса, шундай) қолдирмоқ; **~ть ко́мнату неу́бранной** хонани йиғиштирилмаганича қолдирмоқ; хонани йиғиштирмай кетмоқ; **~ть обе́д нетро́нутым** овқатга қўл урмасдан қолдирмоқ; **~ть окно́ откры́тым** деразани очиқ қолдирмоқ, деразани бекитмасдан кетмоқ; **~ть вопро́с откры́тым** масалани очиқ қолдирмоқ; **~ть зако́н в си́ле** қонунни кучда қолдирмоқ; **~ть подсле́дственного на свобо́де** терговдаги кишини эркинликда қолдирмоқ; **9** *кого-что без чего* бирор нарсасиз қолдирмоқ, четда қолдирмоқ, маҳрум (бенасиб) қилмоқ; дариғ тутмоқ; **~ть без по́мощи** ёрдамсиз қолдирмоқ; **землетрясе́ние ~ло мно́гих без кро́ва** зилзила кўпларни бошпанасиз қолдирди (бошпанадан маҳрум қилди); **~ть уча́сток без удобре́ния** участкани ўғитсиз (ўғитламай) қолдирмоқ; **не оста́вьте нас без внима́ния!** бизни эътибордан четда қолдирманг!; бизни илтифотингиздан дариғ тутманг!; **10** *кого* ушлаб (тутиб) қолмоқ, тўхтатиб қолмоқ, қолдирмоқ; **~ть уча́щихся по́сле уро́ков** ўқувчиларни дарсдан кейин қолдирмоқ (ушлаб, тутиб қолмоқ;) **~ть** *кого-л.* **на пре́жней до́лжности** кимсани олдинги ишида (вазифасида) қолдирмоқ; **11** *кого разг.* синфда қолдирмоқ; **~ть на второ́й год** синфда (иккинчи йилга) қолдирмоқ; **12** *кого-что* ташлаб кетмоқ; қолдириб кетмоқ; холи қолдирмоқ; **оста́вьте нас!** бизни холи қолдиринг!; **~ть жену́** хотинини ташлаб кетмоқ; **~ть родно́й го́род** туғилган шаҳарни ташлаб кетмоқ; **13** *что* бўшамоқ, ташламоқ; бўшаб (ташлаб) кетмоқ; **он ~л институ́т** у институтни ташлаб кетди; **~ть рабо́ту** ишни ташламоқ, ишдан бўшаб кетмоқ; **14** *перен. кого* йўқ бўлмоқ, зойил бўлмоқ; **си́лы ~ли его́** у куч-қувватдан қолди; **15** *что* қўймоқ, ташламоқ, тарк этмоқ, йиғиштирмоқ, отмоқ; барҳам бермоқ, тўхтатмоқ; **~ть разгово́р** гапни тўхтатмоқ (қўймоқ); **~ть ста́рую привы́чку** эски одатини ташламоқ (қўймоқ); **оста́вьте рабо́ту, отдохни́те** ишни қўйинг (йиғиштиринг), бир оз дам олинг; **он ~л ру́чку и закури́л** у ручкани қўйиб, папирос чекди; **16** *кого карт.* қолдирмоқ (карта ўйинида); **17** *пов.* **оста́вь(те)** 1) бас қилинг; қўй(инг); қўйсанг(из)-чи; **оста́вьте, вы же зна́ете, что он не прав!** қўйсангиз-чи, у ҳақли эмаслигини сиз биласиз-ку!; 2) тегма (ғинг); қўй(инг); **оста́вь его́ в поко́е!** уни ўз ҳолига қўй!; унга тегма!; ✦ **~ть в дурака́х** лақиллатмоқ; фириб бермоқ, аҳмоқ қилмоқ, алдаб кетмоқ; **~ть позади́ себя́ (за собо́й)** *кого-что* 1) ўтиб олмоқ; орқада қолдирмоқ; **Стра́нник и Ники́та ~ли за собо́ю дере́вню и шли по степи́** (Вересаев) Дарвеш ва Никита қишлоқни ортида қолдириб, чўлдан борар эдилар; 2) ўзиб (ўтиб) кетмоқ, орқада қолдирмоқ; **Аристо́тель не то́лько далеко́ ~л за собо́ю гре́ков, но и почти́ всех но́вых фило́софов** (Герцен) Аристотель фақат юнонларнигина эмас, балки барча янги философларни ҳам анча ортда қолдирган эди; **не ~ть свои́м покрови́тельством (свои́ми ми́лостями)** *уст.* ўз ҳимоясидан (марҳаматидан) дариғ тутмаслик.

ОСТА́ВЛЯ/ТЬ *несов. см.* **оста́вить**; ✦ **~ет жела́ть мно́гого** (или **лу́чшего**) *см.* **жела́ть**.

ОСТАЛЬН/ОЙ, -а́я, -о́е 1 қолгани, қолмиши, бошқаси; ортиғи; бошқа; **в ~ы́х слу́чаях** бошқа ҳолларда; **пе́рвые пять зада́ч оказа́лись лёгкими, ~ы́е — тру́дными** биринчи бешта масала осонроқ, қолганлари қийин экан; **2** *в знач. сущ.* **~о́е** *с* қолган иш (нарса); қолгани; **~ое сде́лаем за́втра** қолганини (қолган ишни) эртага қиламиз; **~о́е предоста́вьте мне** қолганини (бу ёғини) менга қўйиб беринг; **~о́го я не по́мню** бошқасини эслай олмайман; бошқаси (бу ёғи) эсимда йўқ; **3** *в знач. сущ.* **~ы́е** *мн.* бошқалар, қолганлар; бошқа (қолган) одамлар; **он пойдёт со мной, ~ы́е оста́нутся здесь** бу мен билан боради, бошқалар шу ерда қолади; **~ы́е не могли́ прийти́** қолганлар (бошқалар) кела олмади.

ОСТАНА́ВЛИВАТЬ *несов. см.* **останови́ть**.

ОСТАНА́ВЛИВА/ТЬСЯ *несов.* **1** *см.* **останови́ться; ни перед чем не ~ясь** ҳеч нарсадан қайтмасдан (тоймасдан); ҳеч нарсага қарамай; **не ~ясь на дости́гнутом** эришилган ютуқлар билан чегараланмай (кифояланмай хотиржам бўлиб қолмасдан); **2** *страд. от* **остана́вливать**.

ОСТА́НКИ *мн.* **1** жасад, ўлик, мурда; **2** *уст.* қолдиқ, нишона; **~ стен** деворлар қолдиғи (нишонаси).

ОСТАНОВИ́/ТЬ, -овлю́, -о́вишь *сов. (несов.* **остана́вливать**) **1** *кого-что* тўхтатмоқ; **~ть прохо́жего** йўловчини тўхтатмоқ; **~те маши́ну!** машинани тўхтатинг!; **~ть такси́** такси тўхтатмоқ; **2** *кого-что* тўхтатмоқ, ётқизмоқ; тўхтатиб (ётқизиб) қўймоқ; ишини (гапини, фаолиятини, ривожини, боришини ва ҳ. к.) кесмоқ, узмоқ; **~ть часы́** соатни тўхтатмоқ; **~ть заво́д** заводни тўхтатмоқ; заводнинг ишини тўхтатиб қўймоқ; **~ть разви́тие** ривожини тўхтатмоқ, ривожланишдан қолдирмоқ; **~ть ора́тора** нотиқни тўхтатмоқ; нотиқнинг гапини кесмоқ; **3** *что* тўхтатмоқ, қолдирмоқ, босмоқ, тиймоқ, йўқ қилмоқ; **~ть кровотече́ние** қон оқишини тўхтатмоқ; **лека́рство ~ло боль** дори оғриқни тўхтатди (босди, қолдирди); **4** *кого* фикридан (ниятидан, шахтидан ва ҳ. к.) қайтармоқ, ушлаб (тутиб, тўхтатиб) қолмоқ; тийиб қўймоқ; **в э́той зате́е никто́ его́ не останови́т** уни бу ниятидан ҳеч ким қайтара (тўхтата) олмайди; **5** *что на ком-чём* бир ерга тўпламоқ, жалб қилмоқ, қаратмоқ, йўналтирмоқ; **~ть свой взор** *на чём-л.* бирор нарсага қарамоқ (боқмоқ, кўз тикмоқ, тикилиб қараб қолмоқ); **~те ва́ше внима́ние на э́той карти́не** мана бу картинага диққат билан қаранг (диққат қилинг); **на чём вы ~ли свой вы́бор?** нимани (қайси бирини) танладингиз?, қандай қарорга келдингиз?

ОСТАНОВИ́/ТЬСЯ, -овлю́сь, -о́вишься *сов. (несов.* **остана́вливаться**) **1** тўхтамоқ, тўхтаб қолмоқ; **авто́бус ~лся** автобус тўхтади (тўхтаб қолди); **он ~лся у витри́ны магази́на** у магазин витринаси олдида тўхтади; **2** тўхтамоқ, ётмоқ; тўхтаб (ётиб) қолмоқ, иши (гапи, фаолияти, ривожи, бориши ва ҳ. к.) кесилмоқ, узилмоқ; фаолиятдан (ривождан ва ҳ. к.) қолмоқ; **часы́ ~лись** соат тўхтаб қолди; **цех ~лся** цех тўхтаб қолди; **рабо́та ~лась из-за моро́зов** қаттиқ совуқдан иш тўхтаб қолди; **3** ўзини босмоқ, тутмоқ, тўхтатмоқ, тиймоқ; **ребёнок запла́кал и не мог ~ться** бола йиғлаб юборди ва йиғидан ўзини тўхтата олмади (йиғисини тўхтата олмади); **~ться в нереши́тельности** иккиланиб тўхтаб қолмоқ; **4** *на чём* узмоқ, тўхтатмоқ, бирор ерга келиб тўхтатмоқ (гапда, ишда, машғулотда); **на чём мы ~лись?** нимада (қаерда) тўхтаган эдик?; **5** *на ком-чём* бир ерга тўпланмоқ, жалб бўлмоқ, қарамоқ, йўналмоқ; **его́ взгляд ~лся на портре́те** унинг назари портретга келиб тўхтади; у портретга қараб (тикилиб) қолди; **6** *на чём* тўхталиб (оғизга олиб) ўтмоқ, тўхтамоқ, диққат-эътиборни жалб этмоқ; **~ться на междунаро́дном положе́нии** халқаро аҳвол ҳақида (ёки аҳволга) тўхтамоқ (тўхталиб ўтмоқ); **ле́ктор ~лся на одно́й ва́жной пробле́ме** лектор бир муҳим проблемага тўхталди (проблема устида тўхтаб ўтди); **7** *на ком-чём* танламоқ, танлаб (сайлаб) олмоқ, бир қарорга келмоқ, тўхтам қилмоқ; **я так ни на чём не ~лся** мен ҳали бирор қарорга келолганим йўқ; **8** жойлашмоқ, ўрнашмоқ, тўхтамоқ, қўнмоқ, жойлашиб (ўрнашиб) олмоқ; **~ться в гости́нице** меҳмонхонага тушмоқ, меҳмонхонада жойлашмоқ; **где вы ~лись?** сиз қаерга келиб тушдингиз (қўндингиз, тўхтадингиз)?; сиз қаерга жойлашдингиз?

ОСТАНО́ВК/А *ж, р. мн.* **-вок 1** *по гл.* **останови́ть 1** и **останови́ться** 1; **~а мото́ра** моторнинг тўхташи; моторни тўхтатиш; **~а по́езда то́рмозом** поездни тормоз билан (тормозлаб) тўхтатиш; **~а це́ха** цехнинг тўхташи, цех ишининг ётиб қолиши; цехни (цех ишини) тўхтатиб қўйиш; **2** танаффус, дам (тин) олиш, тўхталиш, пауза; **без ~и** узлуксиз, бетўхтов, тўхтовсиз; тўхтамасдан; **писа́ть без ~и** тўхтовсиз ёзмоқ; **с ~ами** тўхтаб-тўхтаб; **говори́ть с ~ами на ка́ждом сло́ве** ҳар бир сўздан кейин тўхтаб-тўхтаб гапирмоқ; **3** тўхташ, қўниш, тўхтаб (қўниб) ўтиш; **сде́лать ~у у о́зера** кўл ёқасида (олдида) тўхтамоқ; **у нас трёхдневная ~а во Фру́нзе** биз Фрунзеда уч кун тўхтаймиз (уч кун тўхтаб ўтамиз); **4** тўхташ жойи, бекат, остановка; **ав-**

www.ziyouz.com kutubxonasi

то́бусная ~а автобус остановкаси; **коне́чная ~а** охирги остановка, охирги тўхташ жойи; охирги бекат; **5** остановка (икки бекат оралиғи); **пройти́ одну́ ~у пешко́м** бир остановка пиёда юрмоқ; ✦ **~а за** *кем-чем* бирор кимсага ёки нарсага қараб (тақалиб) қолди; биргина нарса етмай (етишмай) турибди; **всё гото́во, ~а за ва́ми** ҳамма нарса тайёр, фақат сизга қараб қолдик (ёки сизни кутяпмиз); **~а за кирпичо́м** иш ғиштга қараб қолди (ғишт йўқлиги учун иш тўхтади, юрмай қолди).

ОСТАНО́ВОЧНЫЙ, -ая, -ое тўхташга оид, тўхтайдиган, тўхтатадиган; тўхталадиган; тўхтаб ўтиладиган; тўхташ...; тўхтатиш...; ~ **механи́зм** тўхтатиш механизми.

ОСТА́Т/ОК *м, р.* **-тка 1** қолдиқ, қолгани, ортгани, қолган (ортган) нарса; ортиб қолган нарса; юқ-юрум; **~ки запа́са** запас қолдиқлар, запасдан қолгани; **~ок ко́жи** кўн (тери) қолдиғи; резги; **~ки мате́рии** газлама қолдиғи; лахтак; **~ок еды́** овқат қолдиғи, қолган овқат; сарқит; **2** *мн.* **~ки** қолдиқ, асар, из, нишона; **~ки пре́жней красоты́** аввалги гўзаллик асари; **~ки дре́вней цивилиза́ции** қадимги маданият қолдиғи (нишонаси); **~ки кре́пости** қалъа қолдиғи; **~ки про́шлого** ўтмишнинг қолдиқлари; ўтмиш сарқити; **3** қолдиқ, қолган қисми; боқимонда; **~ок до́лга** қарзнинг қолдиғи (қолган қисми); боқимонда; **~ок пути́** қолган йўл, йўлнинг қолган қисми; **4** *мн.* **~ки** чиқит, чиқинди; қолдиқ, ташландиқ; **нефтяны́е ~ки** нефть қолдиқлари; **5** *мат.* қолдиқ (бўлиш амалида); **два́дцать пять де́лится на пять без ~ка** йигирма беш бешга қолдиқсиз бўлинади; ✦ **без ~ка** қолдиқсиз, батамом, бутунлай;— **Нау́ка тре́бует челове́ка всего́, без ~ка** (Добровольский) Илм кишидан бор кучини қолдиқсиз сарфлашни талаб қилади.

ОСТАТО́ЧН/ЫЙ, -ая, -ое 1 қолган, ортган, ортиб қолган, қолдиқ; **~ая су́мма** ортиб қолган пул; **2** ўтмишдан қолган; ҳозир ўз қимматини йўқотган қолдиқ; **~ые о́рганы** қолдиқ органлар; **3** *спец.* қолдиқ (батамом йўқолмайдиган); **~ое напряже́ние** қолдиқ кучланиш; **~ый магнети́зм** қолдиқ магнетизм.

ОСТА́/ТЬСЯ, -а́нусь, -а́нешься *сов.* (*несов.* **остава́ться**) **1** қолмоқ; бирор жойдан жилмаслик, қўзғалмаслик; **~ться на ле́то в дере́вне** ёзда қишлоқда қолмоқ; **~ться с больны́м** касал билан қолмоқ; касал ёнида қолмоқ; **~ться рабо́тать** ишлаш учун қолмоқ; ишлаб қолмоқ; **~ться ночева́ть** ётиб (тунаб) қолмоқ; **2** *разг.* ўтолмай қолмоқ (бир синфдан иккинчи синфга); **~ться на второ́й год** иккинчи йилга қолмоқ; синфда қолмоқ; бир синфда икки йил қолмоқ; **3** қолмоқ, сақланмоқ, турмоқ, сақланиб қолмоқ, ўзгармай турмоқ; **всё ~лось, как пре́жде** ҳамма нарса аввалгидай сақланган, ҳамма нарса илгари қандай бўлса, шундай турибди; **зако́н ~лся в си́ле** қонун ўз кучида қолди; **от за́мка ~лись одни́ руи́ны** қасрдан фақат вайрона қолган; **4** ортмоқ, қолмоқ, ортиб қолмоқ; **у меня́ ~лось всего́ три рубля́** менда ҳаммаси бўлиб уч сўм қолди; **от отре́за ~лось о́коло полуме́тра** отрездан ярим метрча қолди; **здесь ди́чи почти́ не ~лось** бу ерда илвасин деярли қолмаган; **5** қолмоқ, бор бўлмоқ (вақт, масофа ҳақида); **до отхо́да по́езда ~лось получаса́** поезд жўнашига ярим соат қолди (ярим соат бор); **нам ~лось е́хать ещё со́рок киломе́тров** биз яна қирқ километр юришимиз керак; **6** *кому* и *на кого* қолмоқ, насиб бўлмоқ, етмоқ, тегмоқ;— **Моя́ тут есть часть [насле́дства], но всё тебе́ ~нется** (Чехов)— Бу ерда менинг бир оз тегишим [меросим] бор, лекин ҳаммаси сенга қолади; **7** бирор ҳолатда қолмоқ, бирор ҳолатга тушмоқ; **~ться вдовцо́м (вдово́й)** тул қолмоқ, бева бўлиб қолмоқ; **мы ~лись в безвы́ходном положе́нии** биз мушкул аҳволга тушиб қолдик; **8** *без чего* бенасиб қолмоқ, маҳрум бўлмоқ, айрилмоқ, қуруқ қолмоқ; **~ться без де́нег** пулсиз қолмоқ, бир тийинсиз қолмоқ; **~ться без обе́да** овқатсиз қолмоқ; овқатдан бенасиб бўлмоқ; **9** *безл. кому с неопр.* фақат... қолди; ...са бас; **~лось то́лько получи́ть докуме́нты** фақат ҳужжатларни олиш қолди; **10** *разг.* ютқизмоқ, қолмоқ (карта ўйинида); ✦ **не ~ться в долгу́** *см.* **долг** II; **~ться в дурака́х** аҳмоқ бўлиб (лақиллаб) қолмоқ, алданмоқ; **~ться в девицах** қари қиз бўлиб қолмоқ; **~ться на бума́ге** (или **на слова́х**) қоғоздагина (оғиздагина) қолмоқ; қоғозда (оғизда) қолиб кетмоқ; амалга ошмай қолмоқ; **~ться на боба́х** *см.* **боб**; **~ться** *за кем* 1) бирор кимсага тегмоқ (қолмоқ); **на аукцио́не ва́за ~лась за на́ми** ким ошдида ваза бизга қолди, 2) буйнида (зиммасида) қолмоқ, қарздор бўлиб қолмоқ; **за ним ~лось пять рубле́й** унда беш сўм қарз қолди; **~ться глухи́м** *к чему* бировнинг дарди, ташвиши ва ҳ. к.га бефарқ (эътиборсиз) қарамоқ, қулоқ солмаслик, ачинмаслик; **~лось нача́ть да ко́нчить** *ирон.* иш ҳали ошиб-тошиб ётибди.

ОСТЕКЛЕНЕ́ТЬ, -е́ет *сов.* (*несов.* **стекленёть**) шишага ўхшаб қолмоқ, нурсиз бўлиб қолмоқ.

ОСТЕКЛЕ́НИЕ *с по гл.* **остекли́ть; ~ о́кон** дераза ларга ойна солиш.

ОСТЕКЛЕ́ТЬ, -е́ет *сов. прост. то же, что* **остекленеть.**

ОСТЕКЛИ́ТЬ *сов.* (*несов.* **остекля́ть**) *что* ойнакламоқ, ойна солмоқ; ойна солдирмоқ, ойнавон қилмоқ; ~ **вера́нду** айвонни ойнакламоқ (ойнавон қилмоқ); ~ **ра́мы** ромларни ойнакламоқ; ромларга ойна солмоқ.

ОСТЕКЛОВА́ТЬ, -лю́, -лю́ешь *сов.* что ойнаванд қилмоқ, ойна (шиша) билан қопламоқ; ~ **тру́бы** трубаларга шиша қопламоқ.

ОСТЕКЛЯ́ТЬ *несов. см.* **остекли́ть.**

ОСТЕОЛО́Г *м* остеолог, остеология мутахассиси.

ОСТЕОЛОГИ́ЧЕСКИЙ, -ая, -ое остеологияга оид, остеологик; остеология...

ОСТЕОЛО́ГИЯ *ж* остеология (анатомиянинг суяк ва уларнинг тузилиши ҳақидаги бўлими).

ОСТЕОМИЕЛИ́Т *м мед.* остеомиелит (иликларнинг, кўпинча суякларга ҳам ўтадиган яллиғланиши).

ОСТЕПЕНЁННЫЙ, -ая, -ое *разг. шутл.* илмий даража олган, илмий даражали.

ОСТЕПЕНИ́/ТЬ *сов.* (*несов.* **остепеня́ть**) *кого* вазминлаштирмоқ; оғир (вазмин, босиқ) қилиб қўймоқ; тийиб қўймоқ; ақлини киргизмоқ; **жени́тьба ~ла его́** уйланиб қуйилиб қолди.

ОСТЕПЕНИ́ТЬСЯ I *сов.* (*несов.* **остепеня́ться**) вазминлашмоқ; оғир (вазмин, босиқ) бўлиб қолмоқ; ўзини тийиб олмоқ, ақли кирмоқ, қуйилмоқ; ~ **с года́ми** улғайиб ақли кириб қолмоқ; улғайиб қуйилмоқ; **пора́ бы тебе́** ~ энди ақлингни йиғиштириб олсанг ҳам бўлар эди; энди оғир (босиқ) бўладиган вақтинг, қуйиладиган (босиқлик) давринг келди.

ОСТЕПЕНИ́ТЬСЯ II *сов. разг. шутл.* илмий даража олмоқ.

ОСТЕПЕНЯ́ТЬ *несов. см.* **остепени́ть.**

ОСТЕПЕНЯ́ТЬСЯ *несов. см.* **остепени́ться I.**

ОСТЕРВЕНЕ́ЛЫЙ, -ая, -ое 1 қутурган, ғазаби ошган, ғазабга тўлган, ғазабдан ўзини йўқотган; ваҳшийлашган, ёвуз; ~ **враг** қутурган душман; ёвуз душман; **2** ғазаб ифодаловчи, ғазабли, дарғазаб, қаттиқ; ~ **свист** ғазабли қаттиқ ҳуштак; ~ **взгляд** ғазабли (дарғазаб) назар, ғазаб билан (ғазабланиб) қараш, ўқрайиш.

ОСТЕРВЕНЕ́НИЕ *с* қутуриш, қаттиқ ғазабланиш, ғазабга тўлган (қаттиқ ғазабга келган) ҳолат; қаҳр-ғазаб, жаҳд-жадал, жон-жаҳд; **прийти́ в** ~ қаттиқ ғазабланмоқ, ғазабга келмоқ, ғазабдан қутуриб кетмоқ, ваҳшийлашмоқ, ёвузлашмоқ; ✦ **с ~м** жон-жаҳд билан, жаҳд-жадал қилиб; **рабо́тать с ~м** жон-жаҳд билан ишламоқ.

ОСТЕРВЕНЕ́ТЬ *сов.* (*несов.* **стервенёть**) қутурмоқ, қаттиқ ғазабланмоқ, ғазабга келмоқ, дарғазаб бўлмоқ, қаҳр-ғазабга тўлмоқ, ғазабдан ўзини йўқотмоқ, ғазабга чидолмай ваҳшийлашмоқ, ёвузлашмоқ; ~ **от оскорбле́ний** ҳақоратдан қаттиқ ғазабланмоқ.

ОСТЕРВЕНИ́ТЬ *сов. кого* қаттиқ ғазаблантирмоқ, қаҳрини келтирмоқ, қутуртириб юбормоқ.

ОСТЕРВЕНИ́ТЬСЯ *сов. то же, что* **остервене́ть.**

ОСТЕРЕГА́ТЬ *несов.* (*сов.* **остере́чь**) *кого-что* эҳтиёт қилмоқ; сақламоқ; эҳтиёт бўлишни (сақланишни) маслаҳат бермоқ; ~ **от просту́ды** шамоллашдан сақламоқ; ~ **от дурны́х посту́пков** ёмон (ярамас) ишлардан сақламоқ, ёмон (ярамас) ишлардан сақланишни маслаҳат бермоқ.

ОСТЕРЕГА́ТЬСЯ *несов.* (*сов.* **остере́чься**) *кого-чего* и *без доп.* **1** сақланмоқ, эҳтиёт бўлмоқ; ~ **гри́ппа** гриппдан сақланмоқ; **2** кўрқмоқ, қочмоқ, эҳтиёт бўлмоқ, сақланмоқ; узоқроқ юрмоқ; ~ **дурно́й компа́нии** ёмон улфатлардан сақланмоқ (узоқроқ юрмоқ); **на́до ~ о́строй пи́щи** ўткир (шўр, аччиқ ва ҳ. к.) овқатдан қочиш (сақланиш) керак.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ОСТЕРЕ́ЧЬ, **-егу́**, **-ежёшь**; **-ёг**, **-егла́** *сов. см.* **остерега́ть**.

ОСТЕРЕ́ЧЬСЯ, **-егу́сь**, **-ежёшься**; **-ёгся**, **-егла́сь** *сов. см.* **остерега́ться**.

ОСТИ́СТЫЙ, **-ая**, **-ое** 1 қилтиқли, серқилтиқ; ~**е сорта́ пшени́цы** буғдойнинг серқилтиқ навлари; 2 сертук; ~**й мех** сертук мўйна.

ОСТИ́Т *м мед.* остит (суякнинг, суяк тўқимасининг яллиғланиши).

ОСТО́В *м* 1 остов, синч, қобирға; ~ **корабля́** кеманинг остови; ~ **зда́ния** бинонинг қобирғаси, синчлари; 2 скелет, суяклар; ~ **вара́на** эчкемар скелети; 3 қуруқ гавда, қолдиқ; ~ **сгоре́вшего та́нка** ёниб кетган танкнинг қуруқ гавдаси; 4 *перен.* асосий мазмун, моҳият, магиз; ~ **рома́на** романнинг асосий мазмуни.

ОСТОЙЧИВОСТЬ *ж мор.* устуворлик (кеманинг сувда оғмай устувор туриш қобилияти).

ОСТОЙЧИВЫЙ, **-ая**, **-ое** *мор.* устувор, оғмайдиган (кема ҳақида).

ОСТОЛБЕНЕ́ЛЫЙ, **-ая**, **-ое** *разг.* донг қотиб қолган, серрайиб (қаққайиб) қолган, серрайган, қаққайган; **стои́т как** ~ серрайиб қотиб турибди; хода ютгандай қаққайиб турибди.

ОСТОЛБЕНЕ́НИ/Е *с по гл.* **остолбене́ть**; **стоя́ть в** ~**и** донг қотганича турмоқ, серрайиб қотиб қолмоқ.

ОСТОЛБЕНЕ́/ТЬ *сов.* донг қотиб қолмоқ, серрайиб қотиб қолмоқ, серрайганича қолмоқ; ~**ть от удивле́ния** ҳайрон бўлиб қотиб қолмоқ; ҳайратдан донг қотиб қолмоқ.

ОСТОЛБИ́ТЬ, **-блю́**, **-би́шь** *сов. что разг.* столбалар (устунлар) қоқиб ўрамоқ; бог учун ажратилган жойни устунлар қоқиб ўрамоқ.

ОСТОЛО́П *м бран.* аҳмоқ, аблаҳ, каллаварам, тўнка.

ОСТОРО́ЖНИЧАТЬ *несов. разг.* ортиқча эҳтиётқорлик қилмоқ, ортиқ эҳтиёт бўлмоқ, кўрқа-писа иш тутмоқ.

ОСТОРО́ЖНО *нареч.* 1 эҳтиётлик билан, эҳтиёт қилиб, эҳтиёт бўлиб; ~ **дви́гаться** эҳтиёт бўлиб юрмоқ; ~, **не оступи́сь!** эҳтиёт бўл (кўзингга қараб юр), қоқилиб кетма!; **де́йствовать** ~ эҳтиётлик билан иш қилмоқ; эҳтиёт бўлиб иш қилмоқ; 2 авайлаб, эҳтиёт қилиб, эҳтиётлик билан, оҳиста; ~ **разобра́ть механи́зм** механизмни эҳтиётлик билан қисмларга ажратмоқ; ~ **поста́вить ва́зу на стол** вазани авайлаб столга қўймоқ.

ОСТОРО́ЖНОСТЬ *ж* эҳтиёткорлик; эҳтиётлик билан иш тутиш (иш қилиш); **де́йствовать с** ~**ю** эҳтиёткорлик билан иш тутмоқ (иш қилмоқ); ~ **в обраще́нии с прибо́рами** асбоблардан эҳтиёткорлик билан фойдаланиш; асбобларни ишлатишдаги эҳтиёткорлик.

ОСТОРО́Ж/НЫЙ, **-ая**, **-ое**; **-жен**, **-жна** 1 эҳтиётли, эҳтиёткор, эҳтиёткорлик билан иш қиладиган; эҳтиёткорлик билан қилинган; **он челове́к** ~**ый** у эҳтиёткор одам; ~**ый шаг** эҳтиёткорлик билан қўйилган қадам (қилинган иш); **бу́дьте** ~**ы!** эҳтиёт бўлинг!; огоҳ бўлинг!; 2 эҳтиётли, эҳтиёт билан (авайлаб) қилинган, оҳиста; ~**ое обраще́ние с кни́гами** китобларни авайлаб тутиш.

ОСТОЧЕРТЕ́/ТЬ *сов. разг.* кўнглига зиғир ёгдек урмоқ, жуда ҳам жонга тегмоқ, безор қилмоқ; ~**ло безде́лье** бекорчилик жонга тегди.

ОСТРА́ГИВАТЬ *несов. см.* **острога́ть**.

ОСТРАКИ́ЗМ *м* остракизм, қувғин қилиш, қувғин остига олиш, қувғинлик.

ОСТРА́СТК/А *ж разг.* қўрқитиш, дўқ, пўписа; **дать** ~**у** қўрқитмоқ, пўписа қилиб қўймоқ; **для** ~**и** қўрқитиш (пўписа) учун қўрқитиб қўйиш (қайтариш) учун.

ОСТРЕ́Ц *м, р.* **-а́** *бот.* буғдойиқнинг бир тури.

ОСТРИГА́ТЬ *несов. см.* **стри́чь**.

ОСТРИГА́ТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **стри́чься**; 2 *страд. от* **острига́ть**.

ОСТРИЁ *с* 1 ўткир уч; уч; ~ **штыка́** найзанинг учи; ~ **иглы́** игнанинг учи; 2 уч, чўққи; **остри́я кремлёвских ба́шен** Кремль миноралариниг чўққиси; 3 дам, юз, тиғ; ~ **ножа́** пичоқнинг дами; 4 *перен.* ниш, ништар; ~ **кри́тики** танқид ништари.

ОСТРИ́ТЬ I *несов. что* чархламоқ, қайрамоқ, ўткирламоқ; **пешламоқ**; ~ **клино́к** қилични чархламоқ.

ОСТРИ́ТЬ II *несов.* (*сов.* **сострить**) киноя (пичинг) қилмоқ, қочирим қилмоқ; ҳазил-мутойиба қилмоқ; **то́нко** ~ нозик ҳазил-мутойиба қилмоқ.

ОСТРИ́ЧЬ, **-игу́**, **-ижёшь**; **-и́г**, **-и́гла** *сов.* (*несов.* **остри́гать**) *кого-что* қирқмоқ, кесмоқ, қиймоқ, олмоқ; **олдирмоқ**; ~ **во́лосы** сочни олмоқ; сочини олдирмоқ; ~ **но́гти** тирноқларини олмоқ; ~ **овцу́** қўйнинг жунини олмоқ (қирқмоқ).

ОСТРИ́ЧЬСЯ, **-игу́сь**, **-ижёшься**; **-и́гся**, **-и́глась** *сов.* (*несов.* **остри́гаться**) соч олдирмоқ, сочини қирқтирмоқ; ~ **на́голо** сочини топ-тоза қилиб олдирмоқ.

ОСТРОВ *м, мн.* **-а́** 1 орол; **необита́емый** ~ одам яшамайдиган орол; 2 *перен.* ўртада ажралиб турадиган жой, алоҳида жой; **зелёный** ~ **в пусты́не** чўл ўртасидаги яшил водий (кўкаламзор жой); 3 *охот.* ўртада ажралиб турган ўрмон, якка ўрмон.

ОСТРОВЕ́РХ/ИЙ, **-ая**, **-ое** чўққили, чўққидор, тепаси чўққи; ~**ая кры́ша** чўққили том.

ОСТРОВИТЯ́НИН *м, мн.* **-я́не** ороллик, оролда яшовчи одам; орол киши.

ОСТРОВИТЯ́НКА *ж, р. мн.* **-нок** *см.* **островитя́нин**.

ОСТРОВН/О́Й, **-а́я**, **-о́е** оролга оид; оролда бўлган (бўладиган), оролда жойлашган; оролдаги; орол...; ~**о́е госуда́рство** оролда жойлашган давлат; ~**о́й жи́тель** орол киши, ороллик.

ОСТРО́Г *м* 1 острог (тик қадалган ходалардан иборат қалъа девори ва шундай деворлар билан ўралган шаҳар ёки қалъа); 2 *уст.* турма, қамоқхона, зиндон.

ОСТРОГ/А́ *ж* балиқ овлайдиган чангак, санчқи; **бить ры́бу** ~**о́й** балиқни санчқи билан урмоқ (овламоқ).

ОСТРОГА́ТЬ *сов.* (*несов.* **остра́гивать**) ҳамма ёғини рандалаб силлиқламоқ; ~ **до́ску** тахтанинг ҳамма ёғини рандалаб силлиқламоқ.

ОСТРОГЛА́З/ЫЙ, **-ая**, **-ое** *разг.* 1 ўткир кўзли, кўзи ўткир; зийрак; ~**ая детвора́** кўзи ўткир болалар; 2 кўзи қаттиқ, қарашлари юракка ботадиган; **Бо́йкая, ~ая ба́ба накрыва́ла стол для обе́да** (М. Горький) Шаддод, кўзи қаттиқ хотин тушликка дастурхон туза(т)моқда эди.

ОСТРОГУ́БЦЫ *мн. тех.* ўткир жағли омбур, кескир омбур.

ОСТРОДЕФИЦИ́ТНЫЙ, **-ая**, **-ое**; **-тен**, **-тна** жуда танқис, камёб, ноёб, камчил, кам топиладиган; ~ **това́р** танқис (камёб) мол.

ОСТРОЖНИК *м уст.* острогдаги маҳбус, банди.

ОСТРОЗАРА́ЗН/ЫЙ, **-ая**, **-ое**; **-зен**, **-зна** жуда юқумли, тез юқадиган; ~**ая боле́знь** жуда юқумли (тез юқадиган) касаллик; ~**ый больно́й** жуда юқумли касаллик билан оғриган бемор.

ОСТРОКОНЕ́ЧН/ЫЙ, **-ая**, **-ое**; **-чен**, **-чна** учи ўткир, чўққили, учли, найзадор; ~**ая ба́шня** чўққили (найзадор) минора.

ОСТРОКРЫ́ЛЫЙ, **-ая**, **-ое** қанотлари ингичка, ингичка канотли; ингичкақанот; узунқанот; ~ **стриж** ингичка қанотли қалдирғоч; жарқалдирғоч.

ОСТРОЛИ́СТ *м* найзабаргли (ингичка баргли) ўсимлик, найзабарг.

ОСТРОЛИ́СТН/ЫЙ, **-ая**, **-ое** найзабаргли, ингичка баргли; ~**ая и́ва** найзабаргли (барглари учли) қоратол.

ОСТРОЛИ́СТЫЙ, **-ая**, **-ое** *то же, что* **остролистный**.

ОСТРОЛИЦЫЙ, **-ая**, **-ее** юзи узунчоқ, юзи чўзиқ; узунчоқ озғин юзли, чўзиқ юзли; сўпоқ; ~ **ма́льчик** чўзиқ юзли бола; сўпоқ болакай.

ОСТРОНО́СЫ/Й, **-ая**, **-ое** 1 бурни узун, чўққи бурун, қиррабурун, қирғий бурун; тумшуғи узун, узунтумшуқ; ~**й челове́к** қиррабурун одам; ~**й лисёнок** тумшуғи узун тулкича; 2 тумшуғи учли (ўткир), ингичка, учли, учи ингичка; ~**е ту́фли** тумшуғи ингичка туфли; ~**й чёлн** учи ингичка қайиқ.

ОСТРОРЫЛ/ЫЙ, **-ая**, **-ое** *зоол.* ўткир тумшуқли; тумшуғи узун (ўткир), узунтумшуқ; ~**ый кит** ўткир тумшуқли (тумшуғи узун) кит; ~**ая лягу́шка** узунтумшуқ бақа.

ОСТРОСЛО́В *м* қочиримга, ҳазил-мутойибага уста одам, аскиячи, аскиябоз, чистончи; тили аччиқ (ўткир) одам.

ОСТРОСЛО́ВИ/Е *с* қочирим, пичинг; ҳазил-мутойиба; чистон; қочиримга (ҳазил-мутойибага) усталик, чистончи-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лик, аскиябозлик; **тили аччиқлик, ўткирлик; упражня́ться в ~и** чистончиликни (аскиябозликни) машқ қилмоқ; **В э́тот ве́чер капита́н не́сколько перехвати́л в своём ~и** (Короленко) Бу оқшом капитан ҳазил-мутойибани бир оз ошириб юборди.

ОСТРОСЛО́ВИТЬ, -влю, -вишь *несов. разг. то же, что* **остри́ть** II.

ОСТРОСОВРЕМЕ́ННЫЙ, -ая, -ое; -е́нен, -е́нна ҳозирги замон учун энг муҳим, энг актуал; **~ая пробле́ма** ҳозирги замоннинг энг муҳим (актуал) проблемаси.

ОСТРОСЮЖЕ́ТНЫЙ, -ая, -ое; -тен, -тна сюжети ўткир; **~ рома́н** ўткир сюжетли роман.

ОСТРОТА́ *ж* қочирим, пичинг, ҳазил-мутойиба, чистон; аския; ўткир гап; **зла́я ~** аччиқ пичинг; **сы́пать ~ми** ҳадеб ҳазил-мутойиба (аския) қилавермоқ, ўткир гап (қочирим, пичинг) ёғдирмоқ.

ОСТРОТА́ *ж* **1** ўткирлик; кескирлик; **~ бри́твы** устаранинг ўткирлиги; **2** ўткирлик, сезгирлик, кучлилик; **~ зре́ния** кўзнинг ўткирлиги; кўриш қобилиятининг кучлилиги; **~ слу́ха** қулоқнинг ўткирлиги; қулоғи динглик; эшитиш қобилиятининг кучлилиги; **~ ума́** ақлнинг ўткирлиги; **3** ўткирлик, таъсирлилик, таъсирчанлик; кескинлик; **~ выраже́ния** ифоданинг ўткирлиги (таъсирчанлиги); **~ выступле́ния** чиқишнинг (гапнинг, нутқнинг) ўткирлиги; **4** ўткирлик, аччиқлик; **~ за́паха** ҳиднинг ўткирлиги; **~ пе́рца** қалампирнинг аччиқлиги; **5** кучлилик, зўрлик, оғирлик; ҳаддан зиёдлик; куч, шиддат; **~ го́ря** ғамнинг оғирлиги (ҳаддан зиёдлиги); **~ жела́ний** иштиёқнинг (истакнинг) зўрлиги; **6** кучлилик, жиддийлик, кескинлик; **~ кла́ссовой борьбы́** синфий курашнинг жиддийлиги (кескинлиги); **~ противоре́чий** зиддиятларнинг кучлилиги (кескинлиги, жиддийлиги).

ОСТРОУГО́ЛЬНИК *м мат.* ўткир бурчакли.

ОСТРОУГО́ЛЬНЫЙ, -ая, -ое ўткир бурчакли; **~ треуго́льник** ўткир бурчакли учбурчак.

ОСТРОУ́МЕЦ *м, р.* **-мца** **1** *то же, что* **острослов́; 2** ақли (фикри) ўткир одам, заковатли (зукко) одам, закий.

ОСТРОУ́МИЕ *с* **1** гапга тўн кийдириб гапириш, гапга усталик; ўткир гап, қочирим, пичинг, зарофат; **блиста́ть ~м** гапга усталиги (зарифлиги) билан яққол ажралиб турмоқ; **2** ақлнинг (фикрнинг) ўткирлиги; зукколик, закийлик, донолик, заковат; **проявйть ~ в реше́нии вопро́са** масалани ечишда ақлнинг ўткирлигини намоён қилмоқ (заковат кўрсатмоқ).

ОСТРОУ́МНИЧАТЬ *несов. разг.* гапга тўн кийдириб гапирмоқ, гапга усталигини кўрсатмоқ, гапнинг кифтини келтирмоқ, гапни бопламоқ, эшмоқ.

ОСТРОУ́МНО *нареч.* **1** гапга тўн кийдириб, кифтини келтириб, боплаб, усталик (донолик) билан; доноларча, топиб; **~ отве́тить** усталик билан (боплаб, топиб) жавоб бермоқ; кифтини келтириб жавоб бермоқ; **~ пошути́ть** усталик (донолик) билан ҳазил қилмоқ; **2** зукколик (заковат) билан, ақл бовар қилмайдиган йўл (усул) билан, оқилона, ажойиб; **зада́ча решена́ ~** масала оқилона ечилган; **~ вы́йти из тру́дного положе́ния** қийин аҳволдан ақл бовар қилмайдиган йўл билан қутулмоқ.

ОСТРОУ́МН/ЫЙ, -ая, -ое; -мен, -мна **1** гапга тўн кийдириб гапирадиган, гапнинг кифтини келтирадиган, гапни эшадиган, гапга уста, топқир, доно; усталик (донолик) билан қилинган (айтилган), ўткир; **~ый собесе́дник** гапга уста ҳамсуҳбат; доно суҳбатдош; **~ое выраже́ние** ўткир гап (ибора); усталик (донолик) билан айтилган гап; **~ая шу́тка** ўткир ҳазил, усталик (донолик) билан қилинган ҳазил; **2** зукколик (заковат) билан қилинган, ақл бовар қилмайдиган; оқилона, ажойиб; **~ый до́вод** ажойиб далил; оқилона баҳона; **~ый план** ақл бовар қилмайдиган план, ажойиб план, оқилона режа (йўл); **~ое реше́ние вопро́са** масалани оқилона (ақл бовар қилмайдиган йўл билан) ҳал қилиш.

ОСТРОУ́ХИЙ, -ая, -ое қулоғи учли, қулоғи ингичка; **~ пёс** қулоғи учли ит.

ОСТРОХВО́СТ/ЫЙ, -ая, -ое думи учли, думи ингичка; **~ая пти́ца** думи учли қуш, думи ингичка қуш.

ОСТР/ЫЙ, -ая, -ое; остр и *разг.* **остёр, остра́, о́стро** и **остро́** **1** ўткир, кескир; учли; қиррали; **~ая бри́твa** ўткир устара; **~ый кинжа́л** ўткир ханжар; **учи ўткир ханжар, ~ая игла́ ўткир (учи ўткир)** игна; **~ые зу́бы** ўткир тишлар; **~ый каранда́ш** учли қалам; **~ые колю́чки** ўткир тиканаклар; **~ые ка́мни** қиррали тошлар; **2** учи ингичка, чўзиқ, узунчоқ; чўққили, чўққи; **~ый подборо́док** узунчоқ (чўзиқ) ияк; **~ая боро́дка** учли (учи ингичка) соқол; чўққи соқол; **ту́фли с ~ыми носка́ми** учи ингичка туфли; **3** ўткир, сезгир, кучли; **~ый слух** сезгир қулоқ; **~ый ум** ўткир ақл; **у него́ ~ый нюх** у ҳидни жуда яхши билади (сезади); **4** ўткир, аччиқ, киноясли; **~ое сло́во** аччиқ гап; ўткир гап; **~ая шу́тка** аччиқ ҳазил; **он остёр на язы́к** унинг тили аччиқ (заҳар); **5** ўткир, кучли, аччиқ (сезги органларига қаттиқ таъсир қиладиган); **~ый блеск** кучли ялтироқлик, кўзни оладиган ялтироқлик; **~ый за́пах** ўткир ҳид; димоққа урадиган (димоғни ёрадиган) ҳид; **~ый пе́рец** аччиқ гармдори; **6** тузи (аччиғи ва ҳ. к.) баланд, мазаси (таъми) ўткир; **~ые блю́да** ўткир (тузи, аччиғи баланд) овқатлар; **~ый сыр** ўткир пишлоқ; **7** қаттиқ, кучли, ўткир; зўр; оғир; **~ая боль** ўткир (кучли, қаттиқ), зирқиратадиган оғриқ; қақшаб оғриш; **~ое жела́ние** кучли истак, зўр хоҳиш; **~ая необходи́мость** *в чём-л.* бирор нарсанинг жуда зарурлиги; бирор нарсага ғоят муҳтожлик; **8** оғир кечаётган (давридаги), авжидаги, оғир (касаллик ҳақида); **~ый аппендици́т** оғир кечаётган (давридаги) аппендицит; **9** кескин; жиддий; зўр; **~ые деба́ты** қизғин баҳслар, жиддий мунозаралар; **~ое положе́ние** кескин аҳвол; жиддий аҳвол; **~ый моме́нт** жиддий пайт; **соревнова́ния прошли́ в ~ой спорти́вной борьбе́** мусобақалар кескин (зўр) спорт курашн билан ўтди; ✦ **~ый у́гол** *мат.* ўткир бурчак.

ОСТРЯ́К *м, р.* **-а́** қочиримга уста одам, ҳазил-мутойибачи, аскиябоз; аскиячи, сўзамол.

ОСТУДИ́ТЬ, -ужу́, -у́дишь *сов.* (*несов.* **остужа́ть**) *что* совитмоқ, яхна қилмоқ; музлатмоқ; **~ компо́т** компотни совитмоқ; **~ ко́мнату** хонани шамоллатмоқ, совитмоқ.

ОСТУЖА́ТЬ *несов. см.* **остуди́ть.**

ОСТУПА́ТЬСЯ *несов. см.* **отступи́ться.**

ОСТУПИ́ТЬСЯ, -уплю́сь, -у́пишься *сов.* (*несов.* **отступа́ться**) қоқилмоқ, қоқилиб кетмоқ; **~ о поро́г** остонага қоқилмоқ.

ОСТЫВА́ТЬ *несов. см.* **остыть** и **остыну́ть.**

ОСТЫНУ́ТЬ *сов.* (*несов.* **остыва́ть**) *то же, что* **остыть.**

ОСТЫ/ТЬ *сов.* (*несов.* **остыва́ть**) **1** совимоқ, совиб қолмоқ; **чай ~л** чой совиб қолди; **печь уже́ ~ла** печка совиб қолди (қолибди); **мото́р ~л** мотор совиди; **2** совимоқ, салқинламоқ; нафасини ростламоқ; тери қотмоқ; **перед купа́ньем на́до ~ть** чўмилишдан олдин совиниш (тер қотиши) керак; **лошадя́м на́до дать ~ть** отларни совитиш керак; **3** *перен. к кому-чему* и *без доп.* совимоқ, кўнгли қолмоқ, қизиқмай қўймоқ, ҳафсаласи пир бўлмоқ; қайтиб қолмоқ; **он ~л к ша́хматам** у шахматдан совиди (шахматга қизиқмай қўйди); **чу́вства ~ли** муҳаббат совиди (сўнди); **4** *перен.* ўзини босмоқ, ўзига келмоқ, ҳовридан тушмоқ, совимоқ, тинчиб қолмоқ, босилмоқ; сўнмоқ; **он ника́к не мог ~ть по́сле спо́ра** у тортишувдан кейин сира ўзига келолмади (ўзини босолмади).

ОСТЬ *ж, р. мн.* **-е́й** **1** *бот.* қилтиқ, қилтаноқ, қилтириқ (мас., ғаллада); **~ячменя́** арпанинг қилтиғи (қилтаноғи); **2** тук; узун, дағал тук (мўйнада); **тёмная ~** мўйнадаги қорамтир туклар.

ОСТЯКИ́ *мн.* (*ед.* **остя́к** *м*, **остя́чка** *ж*) *уст. то же, что* **селькупы́** и **ханты́.**

ОСУДИ́ТЬ, -ужу́, -у́дишь *сов.* (*несов.* **осужда́ть**) **1** *кого* жазога ҳукм қилмоқ, кесмоқ, жазо бермоқ; **~ на пять лет** беш йилга ҳукм қилмоқ (кесмоқ); беш йил қамоқ жазоси бермоқ; **2** *кого-что* айбга буюрмоқ, айбламоқ, қораламоқ, ёмонламоқ; таъна қилмоқ; **~ чьё-л. поведе́ние** кимсанинг юриш-туришини қораламоқ; **3** *перен. кого на что* или *с неопр.* маҳкум қилмоқ; **капитали́зм осуждён на ги́бель** капитализм ҳалокатга маҳкум қилинган, капитализмнинг ҳалокати муқаррар; **Больны́е осуждены́ ви́деть изо дня в день одного́ то́лько Ники́ту** (Чехов) Беморлар кунда-кунда фақат Никитани кўришга маҳкум эдилар (Никитадан бошқа ҳеч кимни кўрмас эдилар); ✦ **не осуди́(те)** *уст.* айбга буюрмайсиз; кечир(инг), афв эт(инг).

ОСУЖДА́ТЬ *несов. см.* **осуди́ть.**

www.ziyouz.com kutubxonasi

ОСУЖДЕ́НИЕ *с* 1 ҳукм қилиш, кесиш, жазо бериш; ҳукм; **зао́чное** ~ сиртдан ҳукм қилиш (кесиш); сиртдан чиқарилган ҳукм; **усло́вное** ~ шартли ҳукм; ~ **обвиня́емого** айбдорни жазога ҳукм қилиш; 2 айбга буюриш, айблаш, қоралаш; ёмонлаш, норозилик; танбеҳ, таъна; **в его́ слова́х звуча́ло** ~ унинг сўзларидан таъна оҳанги сезиларди.

ОСУЖДЁННЫЙ, -ая, -ое 1 *прич. от* **осуди́ть**; 2 *в знач. сущ.* ~**ый** *м*; ~**ая** *ж* жазога ҳукм этилган (кесилган, жазоланган) киши.

ОСУНУ́ТЬСЯ *сов.* озмоқ, озиб кетмоқ, ўзини олдирмоқ; сўппайиб, кўзлари киртайиб қолмоқ; ~ **от боле́зни** касалдан озиб сўппайиб қолмоқ.

ОСУША́ТЬ *несов. см.* **осуши́ть**; ✦ **не** ~ **глаз** тинмасдан йиғламоқ, кўз ёшларини тиёлмаслик.

ОСУШЕ́НИЕ *с по гл.* **осуши́ть** 1; ~ **земе́ль** ерларнинг қуритилиши (захини қочириш).

ОСУШИ́ТЕЛЬ *м спец.* қуритгич; зовур.

ОСУШИ́ТЕЛЬНЫ/Й, -ая, -ое қуритишга оид; қуритадиган; қуритиш...; ~**й кана́л** (ерларни) қуритиш канали; зовур; ~**е рабо́ты** қуритиш ишлари.

ОСУШИ́ТЬ, -ушу́, -у́шишь *сов.* (*несов.* **осуша́ть**) *что* 1 қуритмоқ, сувини (захини) қочирмоқ; ~ **боло́то** ботқоқликни қуритмоқ; 2 батамом (тагигача) ичмоқ, ичиб битирмоқ; бўшатмоқ; ~ **бока́л** қадаҳни бўшатмоқ (сипқормоқ); ✦ ~ **слёзы** *кому* овунтирмоқ, юпатмоқ, тасалли бермоқ; ~ **глаза́** йиғидан тўхтамоқ, йиғини (кўз ёшини) тўхтатмоқ, йиғини бас қилмоқ.

ОСУШКА *ж по гл.* **осуши́ть** 1; ~ **боло́т** ботқоқликларни қуритиш.

ОСУЩЕСТВИ́МЫ/Й, -ая, -ое амалга ошадиган, амалга ошириб (юзага, рўёбга чиқариб) бўладиган, бажариб (қилиб) бўладиган; ~**е мечты́** амалга ошадиган (ушаладиган) орзулар; ~**е пла́ны** амалга ошадиган (амалга оширилиши мумкин бўлган) режалар.

ОСУЩЕСТВИ́ТЬ, -влю́, -ви́шь *сов.* (*несов.* **осуществля́ть**) *что* амалга оширмоқ, юзага (рўёбга) чиқармоқ, бажармоқ; қилмоқ; ~ **революцию** революция қилмоқ; ~ **свои́ наме́рения** ўз ниятини амалга оширмоқ; ~ **за́пуск косми́ческого корабля́** космик кемани учирмоқ.

ОСУЩЕСТВИ/ТЬСЯ, -и́тся *сов.* (*несов.* **осуществля́ться**) амалга ошмоқ, юзага (рўёбга) чиқмоқ; бажарилмоқ; ушалмоқ; бўлмоқ; **его́ мечта́** ~**лась** унинг нияти амалга ошди; унинг орзулари рўёбга чиқди (ушалди).

ОСУЩЕСТВЛЕ́НИЕ *с по гл.* **осуществи́ть** и **осуществи́ться**; ~ **пла́на** планни амалга ошириш; планнинг амалга ошиши; ~ **мечты́** ниятни амалга ошириш (рўёбга чиқариш); орзунинг ушалиши.

ОСУЩЕСТВЛЯ́ТЬ *несов. см.* **осуществи́ть**; ~ **исполни́тельную власть** ижроия ҳокимиятини амалга оширмоқ; ~ **руково́дство** раҳбарликни амалга оширмоқ, раҳбарлик қилмоқ.

ОСУЩЕСТВЛЯ́ТЬСЯ, -я́ется *несов.* 1 *см.* **осуществи́ться**; 2 *страд. от* **осуществля́ть**.

ОСЦИЛЛОГРА́ММА *ж спец.* осциллограмма (осциллограф ёрдамида ёзиб олинган диаграмма).

ОСЦИЛЛО́ГРАФ *м спец.* осциллограф (электр ҳодисаларини кузатиш ва эгри чизиқ равишида ёзиб олиш учун ишлатиладиган асбоб).

ОСЦИЛЛОСКО́П *м спец.* осциллоскоп (электр ҳодисаларини кузатиш учун ишлатиладиган асбоб).

ОСЦИЛЛЯ́ТОР *м спец.* осциллятор (тебранувчи, тебрана оладиган ҳар қандай система).

ОСЧАСТЛИ́ВИТЬ, -влю, -вишь *сов.* (*несов.* **осчастли́вливать**) *кого* бахтли қилмоқ, бахтиёр қилмоқ; хурсанд қилмоқ; ~ **пода́рком** совға билан хурсанд қилмоқ; ~ **свои́м внима́нием** эътибори билан (эътибор бериб) бахтиёр қилмоқ.

ОСЧАСТЛИ́ВЛИВАТЬ *несов. см.* **осчастли́вить**.

ОСЫПА́НИЕ *с по гл.* **осыпа́ть** и **осыпа́ться**; ~ **хле́ба на корню́** буғдойнинг тупида тўкилиши; ўрилмаган буғдойнинг тўкилиши.

ОСЫПА/ТЬ, -плю, -плешь *сов.* (*несов.* **осыпа́ть**) 1 *кого-что* устига (юзига, атрофига, устидан) сепмоқ, сочмоқ; ёғдирмоқ; кўмиб юбормоқ; ~**ть новобра́чных цвета́ми** келинкуёв устидан гул сочмоқ; келин-куёвни гуллар билан кўмиб юбормоқ; ~**ть конфетти́** конфетти сочмоқ (сочиб юбормоқ); ~**ть те́сто мукой́** хамирга (хамирнинг юзига) ун сепмоқ; **нас** ~**ло штукату́ркой** устимизга сувоқ кўчиб ёғилди; 2 *что* қопламоқ, тўлдирмоқ; кўммоқ; **не́бо** ~**но звёздами** осмонни юлдузлар қоплади; осмон юлдузлар билан қопланди (тўлган); **абрико́сы** ~**ны плода́ми** ўриклар ғиж-ғиж мева билан қопланди; ўрикларда ғиж-ғиж мева; **пе́рстень** ~**н алма́зами** узук олмос кўзлар билан қопланган; узукнинг ҳамма ёғига олмос кўз қадалган; 3 *перен. кого* кўмиб ташламоқ; ғарқ қилмоқ; ёғдирмоқ; ~**ть ла́сками** эркалатишларга кўмиб ташламоқ; ҳадеб эркалатавермоқ; ~**ть оскорбле́ниями** ҳақоратга ғарқ қилмоқ; ҳақорат ёғдирмоқ; 4 *что* тўкмоқ, сочмоқ; тўкиб юбормоқ; **дере́вья уже́** ~**ли листву́** дарахтлар баргини тўкиб юборди; дарахтларнинг барги тўкилиб бўлди; **оре́х** ~**л плоды́** ёнғоқ меваларини тўкиб юборди; ёнғоқ тўкилиб бўлди; 5 сочмоқ, сочиб ташламоқ, тўкиб юбормоқ; ~**ть ку́чу навоза** тўпланган гўнгни сочиб юбормоқ.

ОСЫПА́ТЬ *несов. см.* **осы́пать**.

ОСЫПА/ТЬСЯ, -плется *сов.* (*несов.* **осыпа́ться**) 1 кўчиб кетмоқ (тушмоқ), тўкилиб тушмоқ; **кра́ска** ~**лась** бўёқ тўкилиб (кўчиб) тушди; **штукату́рка мо́жет** ~**ться** сувоқ кўчиб кетиши (тушиши) мумкин; 2 тўкилмоқ, тўкилиб кетмоқ; тўкилиб тушмоқ; баргини ташламоқ; **коло́сья** ~**лись** бошоқларнинг дони тўкилиб кетди; **тополя́** ~**лись** тераклар нинг гули (ёки барги) тўкилиб кетди; тераклар баргини ташлаб юборди; 3 қопланмоқ; бурканмоқ; **трава́** ~**лась росо́й** ўтларни шудринг қоплади, ўтлар шудринг билан қопланди.

ОСЫПА́ТЬСЯ, -а́ется *несов.* 1 *см.* **осы́паться**; 2 *страд. от* **осыпа́ть**.

О́СЫПЬ *ж геол.* тўкилма (тоғ ёнбағридаги кўчиб тушган тош, харсанг уюми).

ОСЬ *ж, р. мн.* **осе́й** 1 ўқ; ~ **колеса́** ғилдирак ўқи; **вагóнная** ~ вагон(нинг) ўқи; ~ **враще́ния** айланиш ўқи; ~ **симметри́и** симметрия ўқи; **о́си координа́т** координаталар ўқи; ~ **криста́лла** кристалл ўқи; **геометри́ческая** ~ геометрик ўқ; **земна́я** ~ ер ўқи; 2 *перен.* ўқ, ўзак, мағиз, марказ; ~ **собы́тий** воқеалар маркази (ўзаги).

ОСЬМИ́НА *ж уст.* нимчорак (105 литрга тенг ўлчов бирлиги).

ОСЬМИ́ННИК *м уст.* чорак ботмон (тўртдан бир десятинага тенг ер ўлчови).

ОСЬМИНО́Г *м то же, что* **спрут**.

ОСЬМНА́ДЦАТЬ *числ. колич. уст. то же, что* **восемна́дцать**.

ОСЯЗА́ЕМОСТЬ *ж* сезилиш, сезилиши мумкинлик, сезилувчанлик.

ОСЯЗА́ЕМ/ЫЙ, -ая, -ое 1 сезиб бўладиган, сезиш мумкин бўлган, сезиш органи (бадан) орқали сезиладиган, сезиларли, реал; ~**ая си́ла** сезиларли куч; ~**ый мир** сезиладиган дунё — реал (ташқи) дунё; 2 *перен.* сезиларли, кўринарли; сезилиб (кўриниб) турган; ~**ые успе́хи** кўриниб (сезилиб) турган ютуқлар; ~**ые переме́ны** сезиларли ўзгаришлар; **похолода́ние весьма́** ~**о** ҳаво совиганлиги яхшигина сезилиб туради.

ОСЯЗА́НИ/Е *с* сезиш, пайпаслаб (ушлаб кўриб) ҳис этиш; сезги, ҳис; **о́рганы** ~**я** сезиш органлари.

ОСЯЗА́ТЕЛЬНОСТЬ *ж то же, что* **осяза́емость**.

ОСЯЗА́ТЕЛЬНЫ/Й, -ая, -ое; -лен, -льна 1 сезадиган, сезиш учун хизмат қиладиган, сезувчи; сезиш...; ~**е о́рганы** сезадиган (сезувчи) органлар; сезиш органлари; 2 сезиларли, сезилиб турадиган, билиниб (кўриниб) турган, каттагина; ~**й результа́т** кўриниб турган натижа, каттагина натижа.

ОСЯЗА́ТЬ *несов.* 1 *кого-что* сезмоқ, бадан билан ҳис қилмоқ, ушлаб (пайпаслаб) билмоқ; ~ **предме́т** нарсани сезмоқ; 2 *перен. что книжн.* сезмоқ, туймоқ, ҳис қилмоқ, билмоқ, билиб (сезиб) турмоқ; идрок қилмоқ, фаҳмламоқ; ~ **плоды́ своего́ труда́** ўз меҳнатининг самараларини сезмоқ; **Мы не то́лько предчу́вствуем побе́ду, мы начина́ем её** ~ (Симонов) Биз ғалабага эришишимизни биламизгина эмас, балки уни ҳозирданоқ сеза бошлаяпмиз.

ОТ и **ОТО** *предлог с р.* 1 иш-ҳаракатларнинг, воқеа-ҳодисаларнинг бошланиш, тарқалиш жойини билдиради;

www.ziyouz.com kutubxonasi

-дан, олдидан; **от вокза́ла до до́ма** вокзалдан уйгача; **отойти́ от до́ма** уйдан (уйнинг олдидан) чиқиб кетмоқ (жўнамоқ, йўл олмоқ, узоқлашмоқ); **от магази́на отъе́хал грузови́к** юк машинаси магазиндан (магазин олдидан) жўнаб кетди; **от пиджака́ оторвала́сь пу́говица** пиджакнинг тугмаси узилиб кетди; 2 бир нарсага (ўрин-жой, пункт ва ҳ. к. га) нисбатан бошқа нарса ўрнашган жойни билдиради; **-да**, тарафда, томонда; **-дан**; **к ю́гу от о́зера** кўлдан жанубда; кўлнинг жануб томонида; **мы живём недалеко́ от це́нтра** биз марказ яқинида (марказга яқин) турамиз; **он сиде́л спра́ва от меня́** у менинг чап томонимда ўтирарди; 3 иш-ҳаракат, воқеа-ҳодиса, ҳолат ва ш. к. нинг бошланиш пайтини билдиради; **-дан**; **-дан бошлаб**; **слепо́й от рожде́ния** туғилишдан (туғма) кўр; **он осироте́л десяти́ лет о́т роду** у ўн ёшида етим қолди; **у нас переры́в от двена́дцати до ча́са** бизда соат ўн иккидан бошлаб биргача танаффус бўлади; 4 «до» предлоги билан келган бошқа сўз билан давомийлик, чек, чегара маъноларини билдиради; **-дан, -дан бошлаб**; **-дан тортиб**; **от зари́ до зари́** эрталабдан кечгача; **срок обуче́ния от трёх до пяти́ лет** ўқиш муддати уч йилдан беш йилгача; **моро́з от пяти́ до десяти́ гра́дусов** совуқ беш градусдан ўн градусгача (беш градус билан ўн градус ўртасида); **все — от ма́ла до вели́ка** ҳамма — ёшлардан тортиб, то қариларгача; каттаю кичик, ҳаммаси; ёшу қари — ҳаммаси; 5 сабаб ёки манба бўлган кимсани, нарсани билдириб келади; **-дан**, туфайли, ёрдамида, билан; **шум от автомоби́лей** автомобиллардан (автомобиллар туфайли) юзага келаётган шовқин, автомобиллар шовқини; **проснýться от шу́ма** шовқиндан уйғонмоқ; **дохо́ды от се́льского хозя́йства** қишлоқ хўжалигидан келадиган даромад; **узна́ть** *что-л.* **от** *кого-л.* бирор нарсани (гапни, хабарни ва ҳ. к.) бировдан эшитмоқ; **терпе́ть оби́ду от** *кого-л.* кимсадан хафа бўлмоқ (ранжимоқ); **э́то от нас не зави́сит** бу бизга боғлиқ эмас; 6 бирор ҳолат, кайфият ва ш. к. нинг сабабини, манбаини билдириб келади; **-дан**, туфайли, сабабли, таъсирида, орқасида; **от стра́ха** қўрқувдан; қўрққанидан; қўрқув орқасида; **от зло́сти** ғазабдан; дарғазаб бўлиб, ғазаби ошиб; **пла́кать от бо́ли** оғриқдан йиғламоқ; **смея́ться от ра́дости** хурсандликдан кулмоқ; **бле́дный от испу́га** қўрқувдан (қўрқув сабабли) оқариб кетган; **гу́бы потре́скались от ве́тра** лаблар шамолдан (шамол таъсирида) ёрилди; 7 йўқотилиши, кетказилиши, тозаланиши, ташланиши, тарк этилиши керак бўлган нарсани билдириб келади; **-дан**; **очи́стить сапоги́ от гли́ны** этикни лойдан (этик лойини) тозаламоқ; **избави́ться от дурны́х привы́чек** ёмон одатлардан қутулмоқ; ёмон одатларни ташламоқ (тарк этмоқ); **пробуди́ться ото сна** уйқудан уйғонмоқ (турмоқ), уйқудан бош кўтармоқ; 8 бирор нарсага (ҳолат, кайфият, ҳодиса ва ш. к.) қарши қаратилган бошқа нарсани (дори, восита ва ҳ. к.) билдириб келади; **-га** қарши, **-дан**; **лека́рство от ка́шля** йўталга қарши дори; йўтал дори; **сре́дство от комаро́в** чивинларни ўлдирадиган дори; пашша дори; 9 таққослашда ишлатилади; **-дан**; **пе́рвые вы́пуски маши́н значи́тельно отлича́ются от после́дних** биринчи чиқарилган машиналар кейингиларидан анча фарқ қилади; **они́ не отлича́ются друг от дру́га** улар бир-биридан фарқ қилмайди (бир-бирига жуда ўхшайди); 10 бирор бутунлик ташкил этган нарсанинг бўлагини, қисмини билдириб келади; **-нинг**; **кры́шка от кастрю́ли** кастрюлканинг қопқоғи; **футля́р от скри́пки** скрипканинг ғилофи; **ключ от кварти́ры** квартиранинг калити; **скорлупа́ от оре́хов** ёнғоқнинг пўсти (пўчоғи); **ле́звие от безопа́сной бри́твы** хавфсиз устарани тиғи; 11 тарих (сана) билдириб келади; **-да**, **-даги**; **прика́з от пя́того ию́ля** бешинчи июлда берилган буйруқ; бешинчи июлдаги буйруқ; **письмо́ от тре́тьего января́** учинчи январда ёзилган хат; учинчи январдаги хат; 12 иш соҳаси, тури, ўрни, ваколат ва ш. к. маъноларни билдириб келади; **-да**, **-дан**, **-нинг**; **рабо́чий от станка́** станокда ишловчи ишчи; **уполномо́ченный от шко́лы** мактабдан юборилган (келган) вакил; мактаб(нинг) вакили; **де́йствовать от и́мени коллекти́ва** коллектив номидан ҳаракат қилмоқ; **от лица́ това́рищей** ўртоқлар номидан; 13 ўзаро алоқа, ўхшашлик, яқинлик ва ш. к. маъноларни билдириб келади; **-дан**, **-га**; **в ребёнке есть что́-то и от ма́тери** болада нимадир онасидан ҳам бор; боланинг нимасидир онасига ҳам ўхшаб кетади; **у молодо́го пое́та есть что́-то от Маяко́вского** ёш шоирда нималардир Маяковскийга ўхшаб кетади; 14 составли равишлар ясайди; **день ото дня́** кундан-кунга, кун сайин; **год от го́да** йилдан-йилга, йил сайин; **вре́мя от вре́мени** вақт-вақти билан; **от нача́ла до конца́** бошидан охиригача; **от всего́ се́рдца, от всей души́** чин қалбдан, юракдан, жону тан билан.

ОТ-, ОТО-, ОТЪ- *приставка* 1 феъл олд қўшимчаси бўлиб, а) иш-ҳаракатга бирор жойдан, нарсадан ажралиш, узоқлашиш каби маъноларни беради, мас., **отбежа́ть, отъе́хать, отгрести́, отколо́ть, отвинти́ть** ва ш. к.; б) иш-ҳаракатнинг бошқа иш-ҳаракатга муқобиллигини билдиради, мас., **отблагодари́ть, отомсти́ть, откли́кнуться** ва ш. к.; в) иш-ҳаракатга тугалланганлик маъносини беради, мас., **отцвести́, отлакирова́ть, отрабо́тать** ва ш. к.; г) иш-ҳаракатга йўқотиш, қутулиш, халос бўлиш каби маъноларни беради, мас., **откача́ть, отлежа́ться, отучи́ть** ва ш. к.; д) иш-ҳаракатга бирор нарсадан қочиш, бош тортиш каби маъноларни беради, мас., **отклони́ться, отговори́ться, отбоя́риться** ва ш. к.; е) иш-ҳаракатни бирор даражага етказиш маъносини беради, мас., **отсиде́ть, отлежа́ть** ва ш. к.; 2 сифат олд қўшимчаси бўлиб, сифатнинг қайси сўздан ясалганлигини билдиради, мас., **отглаго́льный, отымённый** ва ш. к.

ОТА́В/А *ж* янги (шу йилги) ўт; майса; **кле́верная ~а** майса беда; беда майсаси; **коси́ть ~у** майсани ўрмоқ.

ОТА́ВН/ЫЙ, -ая, -ое янги (шу йилги) ўтга, майсага оид; янги (шу йилги) ўтдан ўрилган; **~ое се́но** янги пичан; янги (шу йилги) ўтдан ўрилган пичан.

ОТАКЕЛА́ЖИВАТЬ *несов. см.* **отакела́жить.**

ОТАКЕЛА́ЖИТЬ *сов.* (*несов.* **отакела́живать**) кемани арқонлар билан жиҳозламоқ.

ОТА́ПЛИВАТЬ *несов. см.* **отопи́ть.**

ОТА́ПЛИВА/ТЬСЯ *несов.* 1 иситилмоқ; **да́ча не ~ется** боғ ҳовли уйлари иситилмайди; 2 *страд. от* **ота́пливать.**

ОТА́ПТЫВАТЬ *несов. см.* **отопта́ть.**

ОТА́РА *ж* ўтар, сурув (қўй подаси); **~ове́ц** ўтар, қўй подаси, сурув.

ОТБА́ВИТЬ, -влю, -вишь *сов.* (*несов.* **отбавля́ть**) *что* и *чего* камайтирмоқ, озайтирмоқ, олиб камайтирмоқ; **~ сха́ру** қанддан олиб камайтирмоқ, қандни камайтирмоқ.

ОТБА́ВКА *ж* камайтириш, озайтириш, олиб камайтириш.

ОТБАВЛЕ́НИЕ *с то же, что* **отба́вка.**

ОТБАВЛЯ/ТЬ *несов. см.* **отба́вить; ✦ хоть ~й** етиб ортади, ошиб-тошиб ётибди, тўлиб (ачиб) ётибди.

ОТБАРАБА́НИ/ТЬ *сов.* 1 *разг.* барабан чалиб (ёки бирор нарсани чертиб, тиқирлатиб) бўлмоқ; **[Миткалев] забараба́нил па́льцами по столу́...— Та-ак-с!— сказа́л он, наконе́ц, ~в** (Сергеев-Ценский) [Миткалев] бармоқлари билан столни черта (тиқирлата) бошлади...— Хўш,— деди у, ниҳоят стол тиқирлатишни тўхтатиб; 2 *что* и *без доп. разг.* бўлар-бўлмас қилиб (билар-билмас) чалиб бермоқ; динғирлатиб чалиб бўлмоқ; **~ть марш** маршни бўлар-бўлмас қилиб чалиб бўлмоқ; **~ть на фортепья́но** фортепьянода ёмон (ёки бузиб) чалмоқ; 3 *перен. что* и *без доп. разг.* бидир-бидир гапириб бўлмоқ, бидирлаб (лаби-лабига тегмай) гапириб ташламоқ, шариллатиб ташламоқ; **ма́льчик ~л стихи́** бола шеърни бидирлаб (шариллатиб) ўқиб берди; 4 *перен. что прост.* қанчадир вақт ишламоқ, ишлаб бўлмоқ; **наридан-бери** (қўл учида) ишлаб ўтказмоқ, тугатмоқ; **~ть уро́к** дарсни наридан-бери ўтказмоқ, дарсни наридан-бери ўтказиб тугатмоқ; **~ть де́сять часо́в в по́ле** далада ўн соат ишламоқ; далада наридан-бери (қўл учида) ўн соат ишлаб бўлмоқ (ёки ишлаб бермоқ).

ОТБЕ́ГАТЬ *сов. разг. то же, что* **отбе́гаться.**

ОТБЕГА́ТЬ *несов. см.* **отбежа́ть.**

ОТГЛОДА́ТЬ *сов.* (*несов.* **отгла́дывать**) *что разг.* ғажимоқ, мужимоқ, кемирмоқ; ғажиб (кемириб) ташламоқ; ғажиб (мужиб, кемириб) бўлмоқ; мужиб топ-тоза қилиб қўймоқ; **~ кость** суякни мужиб топ-тоза қилиб қўймоқ.

ОТГЛОТНУ́ТЬ *сов.* (*несов.* **отгла́тывать**) *что* и *чего разг.* бир қултум (ҳўплаб) ичмоқ, бир ютум ютмоқ, бир ҳўпламоқ; **~ ча́ю** чойдан бир ҳўпламоқ (бир қултум ичмоқ).

ОТГНИВАТЬ, -а́ет *несов. см.* **отгни́ть.**

ОТГНИ́/ТЬ, -и́ет *сов.* (*несов.* **отгнива́ть**) чиримоқ, чириб кетмоқ, чириб тушмоқ, чириб, синиб кетмоқ; **края́ доски́ ~ли** тахтанинг четлари чириб кетибди (чириб тушибди).

ОТГОВА́РИВАТЬ *несов. см.* **отговори́ть** 1.

ОТГОВА́РИВАТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **отговори́ться;** 2 *страд. от* **отгова́ривать.**

ОТГОВОРИ́ТЬ *сов.* 1 (*несов.* **отгова́ривать**) *кого от чего* и *с неопр.* бирор ишдан қайтармоқ, қолдирмоқ, қайтишга (қолишга) кўндирмоқ, рози қилмоқ; **~ от пое́здки** сафардан қайтармоқ; сафарга бормасликка кўндирмоқ; 2 гапириб бўлмоқ, гапни тугатмоқ.

ОТГОВОРИ/ТЬСЯ *сов.* (*несов.* **отгова́риваться**) 1 важ топиб қутулмоқ, узрли сабаб билан ўзини олиб қочмоқ, баҳона қилмоқ; **~ться боле́знью** касалман деб баҳона қилмоқ; касаллигини баҳона қилиб қутулмоқ; 2 *разг.* баҳона топиб ўзини оқламоқ; **где ты был? — Задержа́лся на рабо́те,— ~лся он** қаерда қолиб кетдинг?— Ишда ушланиб қолдим,— дея ўзини оқлади у.

ОТГОВО́Р/КА *ж, р. мн.* **-рок** баҳона, важ; **узр**; эътироз; **без ~ок!** баҳона қилмасдан!; сўзсиз!; эътирозсиз!

ОТГОВО́РЫ *мн. разг.* ялиниш, ялиниб-ёлвориш, тушунтириш, насиҳат, гап ва ш. к. (бирор иш-ҳаракатдан қайтариш учун); **никаки́е ~ не помо́гут — я всё равно́ уе́ду** ҳеч қандай гапнинг (илтимос, насиҳат ва ш. к. нинг) фойдаси йўқ — бари бир кетаман.

ОТГОЛОС/ОК *м, р.* **-ска** 1 акс садо; узоқдан эшитилган (етиб келган) овоз; **~ок вы́стрела** отилган ўқ товушининг акс садоси; узоқда отилган ўқ овози; **~ки гро́ма** момақалдироқнинг узоқдан етиб келган овози; узоқдаги момақалдироқ садоси; 2 *перен.* юракдаги (юракдан чиққан) акс садо, хайрихоҳлик ҳисси, ҳамдамлик (ҳамдардлик) муносабати; ачиниш, таассуф; **его́ слова́ ни в ком не нашли́ ~ка** унинг сўзлари ҳеч кимнинг юрагида акс садо уйғотмади, унинг сўзларига ҳеч ким таассуф қилмади (ачинмади); унинг сўзларига ҳеч кимнинг юраги ачимади (жиз этмади); 3 *перен.* асар, таъсир, из; акс; оқибат; **~ки войны́** уруш таъсири (асари, излари); уруш оқибатлари.

ОТГОН *м спец.* 1 *по гл.* **отогна́ть — отгоня́ть** 3, 4; **~ скота́ на ле́тние па́стбища** молларни ёзги ўтлоқларга (яйловларга) чиқариш; **~ горю́чих ма́сел** ёқилғи мойларни ҳайдаб ажратиб олиш; 2 ўтлоқда (яйловда) боқиш, яйдоқ боқиш; **овцы́ на ~е** қўйлар ўтлоқда (яйловда); ҳамма қўй яйдоқ боқилмоқда; 3 ҳайдаб олинган маҳсулот; **нефтяно́й ~** нефтни ҳайдаб ажратиб олинган маҳсулот.

ОТГОНКА *ж спец. по гл.* **отогна́ть — отгоня́ть** 4; **~ ма́сел из не́фти** нефтдан ҳайдаб мойларни ажратиб олиш.

ОТГОННЫЙ, -ая, -ое *с.-х.* яйловда боқиладиган, яйдоқ; яйлов...; **~ое скотово́дство** яйловдаги чорвадорлик, яйлов чорвадорлиги; **~ое содержа́ние ове́ц** қўйларни яйловда боқиш; қўйларни яйдоқ боқиш.

ОТГОНЯ́ТЬ *несов. см.* **отогна́ть.**

ОТГОРА́ЖИВАТЬ *несов. см.* **отгороди́ть.**

ОТГОРА́ЖИВАТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **отгороди́ться;** 2 *страд. от* **отгора́живать.**

ОТГОРА́ТЬ *несов. см.* **отгоре́ть.**

ОТГОРЕВА́ТЬ *сов. разг.* қайғуриб бўлмоқ, ғам-ғусса чекмай қўймоқ; ғам-ғуссадан қутулмоқ.

ОТГОРЕ́/ТЬ *сов.* (*несов.* **отгора́ть**) 1 ёниб бўлмоқ, ёнмай қўймоқ; ёниб тамом бўлмоқ; 2 ёниб ажралмоқ, куйиб тушмоқ; **сук ~л** бутоқ ёниб, ажралиб тушди; бутоқ куйиб тушди.

ОТГОРОДИ́ТЬ, -ожу́, -о́дишь и **-оди́шь** *сов.* (*несов.* **отгора́живать**) 1 *что* девор (тўсиқ, ғов ва ш. к.) билан ажратмоқ, бўлмоқ, тўсмоқ; ўраб (бўлиб, тўсиб) олмоқ; ўраб (бўлиб, тўсиб) қўймоқ; ажратиб ташламоқ; **~ сад забо́ром** боғни девор билан ажратмоқ; **~ ши́рмой** ширма билан ажратмоқ (тўсмоқ); 2 *перен. кого* бошқалардан ажратмоқ, узоқлаштирмоқ, ажратиб қўймоқ, алоқасини узмоқ; **~ дете́й от дурно́го влия́ния** болаларни ёмон таъсирдан сақламоқ.

ОТГОРОДИ́ТЬСЯ, -ожу́сь, -о́дишься и **-оди́шься** *сов.* (*несов.* **отгора́живаться**) 1 ўзини, ўз жойини (девор, тўсиқ ғов ва ш. к. билан) ажратмоқ, ажралмоқ, алоҳида бўлиб олмоқ; **~ перегоро́дкой** ўзини (ўз уйини, жойини ва ҳ. к.) тўсиқ билан ажратиб (алоҳида қилиб) олмоқ; 2 *перен.* ажралмоқ, узоқлашмоқ, четлашмоқ, алоқа қилмай қўймоқ, алоқани узмоқ; бўлак бўлиб олмоқ; ажралиб қолмоқ; **~ от друзе́й** дўстларидан узоқлашмоқ, дўстларидан ажралиб қолмоқ; **~ от живо́й жи́зни** жонли ҳаётдан ажралиб қолмоқ.

ОТГОСТИ́/ТЬ, -ощу́, -ости́шь *сов. разг.* 1 меҳмон бўлмоқ, меҳмонда (меҳмондорчиликда) бўлмоқ, меҳмон бўлиб қайтмоқ (кетмоқ); меҳмон бўлиб турмоқ; **неде́лю он ~л у ста́ршей сестры́** у опасиникида бир ҳафта меҳмон бўлди; 2 меҳмон бўлиб туришни тамомламоқ.

ОТГРАНИВАТЬ *несов. см.* **отграни́ть.**

ОТГРАНИ́ТЬ *сов.* (*несов.* **отгра́нивать**) 1 *что* яхшилаб қирраламоқ, тарашлаб (силлиқлаб, қирралаб) қўлдан чиқармоқ; **~ рубин́** ёқутни қирралаб қўлдан чиқармоқ; 2 қирралаб бўлмоқ, қирралаш (тарашлаш, силлиқлаш) ишини тамомламоқ.

ОТГРАНИЧЕ́НИЕ *с по гл.* **отграни́чить; ~ уча́стка** участкани чегаралаш (чегаралаб ажратиш); участка чегарасини белгилаш.

ОТГРАНИ́ЧИВАНИЕ *с по гл.* **отграни́чивать; ~ земе́льных уча́стков** ер участкаларини ажратиб чиқиш.

ОТГРАНИ́ЧИВА/ТЬ *несов.* 1 *см.* **отграни́чить;** 2 бўлмоқ, ажратиб турмоқ, чегара бўлиб хизмат қилмоқ; **забо́р ~ет два уча́стка** икки участкани девор ажратиб туради.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ОТГРАНИ́ЧИТЬ *сов.* (*несов.* **отграни́чивать**) *что* чегараламоқ, чегарасини белгиламоқ, чегаралаб (чегарасини белгилаб) бўлмоқ; ажратиб қўймоқ, ажратиб ташламоқ; ~ **два уча́стка** икки участкани бир-биридан чегаралаб ажратмоқ; икки участка ўртасидаги чегарани белгиламоқ.

ОТГРЕБА́ТЬ *несов. см.* **отгрести́** 1.

ОТГРЕБА́ТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **отгрести́сь**; 2 *страд. от* **отгреба́ть** 1.

ОТГРЕМЕ́/ТЬ, -ми́т *сов.* 1 гулдираб (гумбурлаб) бўлмоқ, гулдираши (гумбурлаши) тўхтамоқ; босилмоқ; **аплодисме́нты ~ли** қарсаклар тўхтади (босилди); **гром ~л** момақалдироқнинг гулдираши (гулдур-гулдури) тўхтади; **оруди́я ~ли** тўпларнинг гулдираши тўхтади (босилди); 2 *перен.* тугамоқ, тамом бўлмоқ, ўтиб кетмоқ; **~ли бо́и** жанглар тамом бўлди.

ОТГРЕСТИ́, -ребу́, -ребёшь; -рёб, -ребла́ *сов.* 1 (*несов.* **отгреба́ть**) *что* кураб ташламоқ, бир четга кураб (ёки сидириб) қўймоқ; кураб (ёки сидириб) йиғмоқ (тўпламоқ); ~ **се́но** пичанни сидириб бир четга тўпламоқ; ~ **у́гли в печи́** печкадаги қўрларни бир четга суриб (тўплаб) қўймоқ; 2 эшкак эшиб жўнамоқ, эшкак эшиб ҳайдаб кетмоқ; ~ **от бе́рега** қирғоқдан (эшкак эшиб) ҳайдаб кетмоқ.

ОТГРЕСТИ́СЬ, -ребу́сь, -ребёшься; -рёбся, -ребла́сь *сов. разг.* 1 (*несов.* **отгреба́ться**) атрофини (олдини) кураб ташламоқ, кураб (ёки сидириб ташлаб) атрофини (олдини) очмоқ, тозаламоқ; 2 *то же, что* **отгрести́** 2.

ОТГРОХА/ТЬ *сов.* 1 *разг.* гумбурлаб (гулдираб) бўлмоқ; қасир-қусури (тақир-туқури, гумбур-гумбури) тўхтамоқ; **пу́шки ~ли** замбараклар гумбурлаб бўлди (отишдан тўхтади); 2 *перен. что прост.* данғиллама уй қурмоқ (қуриб олмоқ, қуриб қўймоқ); ҳашаматли бино (тоқ-равоқ) солмоқ; **~ть себе́ дом** данғиллама уй қуриб олмоқ.

ОТГРОХОТА/ТЬ, -хо́чет *сов. разг.* гулдираб (гумбурлаб) бўлмоқ, қасир-қусур (тақир-туқур, гумбур-гумбур) қилишдан тўхтамоқ; **вы́стрелы ~ли** отишма (қасир-қусурлари) тўхтади.

ОТГРУЖА́ТЬ *несов. см.* **отгрузи́ть**.

ОТГРУЗИ́/ТЬ, -ужу́, -у́зишь и **-узи́шь** *сов.* (*несов.* **отгружа́ть**) 1 *что* юкни камайтирмоқ, юкнинг бир қисмини бошқа транспортга олмоқ; **часть мешко́в ~ли на други́е маши́ны** қопларнинг бир қисми бошқа машиналарга олинди; 2 *что* юклаб юбормоқ (жўнатмоқ); юкни ортиб жўнатмоқ; **всё зерно́ ~ли на элева́тор** ғалланинг ҳаммаси элеваторга жўнатилди; **кирпи́ч отгру́жен** ғишт жўнатилди; 3 *без доп.* юклаб (ортиб) бўлмоқ; юкланиш тамом қилмоқ.

ОТГРУ́ЗКА *ж, р. мн.* **-зок** *по гл.* **отгрузи́ть** 1, 2; ~ **хло́пка** пахтани юклаб (ортиб) жўнатиш.

ОТГРЫЗА́ТЬ *несов. см.* **отгры́зть**.

ОТГРЫЗА́ТЬСЯ *несов.* (*сов.* **отгры́зться** и **отгрызну́ться**) *прост.* бир гапдан қолмай айтишмоқ, баравар олишмоқ, али деса, бали демоқ, баланд келиб жавоб бермоқ.

ОТГРЫЗНУ́ТЬСЯ *сов. однокр. см.* **отгрыза́ться**.

ОТГРЫ́З/ТЬ, -зу́, -зёшь; -ы́з, -ызла *сов.* (*несов.* **отгрызать**) *что* ғажимоқ, кемирмоқ; ғажиб (кемириб) кетмоқ; ғажиб (кемириб) узиб олмоқ; **мышь ~ла ко́рку хле́ба** сичқон бўлка нонинг жилдини ғажиб (кемириб) кетибди.

ОТГРЫ́ЗТЬСЯ, -зу́сь, -зёшься; -ы́з, -ызла *сов. см.* **отгрыза́ться**.

ОТГУДЕ́/ТЬ, -ди́т *сов.* гудок чалиб бўлмоқ, гудок чалишдан тўхтамоқ; **тепловоз ~л** тепловоз гудок чалиб бўлди.

ОТГУ́Л *м* отгул (ортиқча ишланган вақт учун олинган дам олиш куни); **получи́ть ~** отгул олмоқ; **у меня́ три дня ~а** менинг уч кунлик отгулим бор.

ОТГУЛИВА́ТЬ *несов. см.* **отгуля́ть** 1.

ОТГУЛИВА́ТЬСЯ *несов. см.* **отгуля́ться**.

ОТГУЛЯ́ТЬ *сов. разг.* 1 (*несов.* **отгу́ливать**) *что* и *без доп.* дам олмоқ; отгул олмоқ; ~ **о́тпуск** отпускани дам олиб ўтказмоқ; ~ **за сверхуро́чную рабо́ту** ортиқча ишланган кунлар учун отгул олмоқ; 2 *что* ўйнаб-кулиб ўтказмоқ; ўйнаб-кулмоқ; ~ **сва́дьбу (на сва́дьбе)** тўйни ўйнаб-кулиб ўтказмоқ; тўйда ўйнаб-кулмоқ; 3 ўйнаб бўлмоқ, ўйнаб-кулишни (ўйин-кулгини) бас қилмоқ.

ОТГУЛЯ́/ТЬСЯ *сов.* (*несов.* **отгу́ливаться**) *прост.* 1 роса ўйнаб-кулмоқ; **яйрамоқ**; 2 яйдоқда овқатга тўймоқ, тўйиб-тўйиб семирмоқ; **скот ~лся за ле́то** ёзда чорва яйдоқ юриб яхши семирди.

ОТДА/ВАТЬ, -даю́, -даёшь *несов.* 1 *см.* **отда́ть**; 2 *чем* (бошқа нарсанинг) мазаси ёки ҳиди келиб турмоқ; **чай че́м-то ~ёт** чойдан бир нарсанинг ҳиди (ёки мазаси) келяпти; 3 *перен. чем разг.* дидини бермоқ, эслатмоқ, эсга туширмоқ; **в до́ме всё ~ва́ло старино́й уйдаги ҳамма нарса** эски ҳаётни эслатарди; уйдаги ҳамма нарсадан эскиликнинг ҳиди (диди) келиб турарди.

ОТДАВА́ТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **отда́ться**; 2 *страд. от* **отдава́ть** 1.

ОТДАВИ́ТЬ, -авлю́, -а́вишь *сов.* (*несов.* **отдавливать**) *что* қаттиқ босиб олмоқ, босиб оғритмоқ; босиб эзиб (мажақлаб) юбормоқ; ~ **но́гу** оёқни қаттиқ босиб олмоқ; оёқни босиб мажақлаб юбормоқ.

ОТДА́ВЛИВАТЬ *несов. см.* **отдави́ть**.

ОТДА́ИВАТЬ *несов. см.* **отдои́ть** 1.

ОТДА́ИВАТЬСЯ *несов. см.* **отдои́ться** 1.

ОТДАЛЕ́НИ/Е *с* 1 *по гл.* **отдали́ть**; **~е дня отъе́зда** кетиш (жўнаш) кунини кечиктириш; 2 узоқлашиш, кўнгли совиш, кўнгли қолиш; **~е от друзе́й** дўстларидан совиш (узоқлашиш); 3 *уст.* узоқ (йироқ) жой, узоқ масофа, олис жой, олис; ✦ **в ~и, на ~и** узоқда, йироқда; нарида, анча нарида; қандайдир масофада.

ОТДА́ЛЕННОСТЬ *ж* олислик, узоқлик, йироқлик; ~ **райо́на от це́нтра го́рода** районнинг шаҳар марказидан олислиги.

ОТДАЛЕ́ННЫЙ, -ая, -ое 1 *прич. от* **отдали́ть**; **предме́т, ~ый от глаз** кўздан узоқлаштирилган нарса; 2 *в знач. прил.* узоқ, олис, йироқ; узоқдаги, йироқдаги; **~ые райо́ны го́рода** шаҳарнинг олис районлари; **~ый совхо́з** узоқ (олис) совхоз; **послы́шался ~ый раска́т гро́ма** узоқдан момақалдироқ гумбур-гумбури келди (эшитилди); 3 *в знач. прил.* узоқ, узоқ жойдаги; узоқ жойда бўладиган; **соверши́ть ~ую экску́рсию** узоқ жойга экскурсия қилмоқ; 4 *в знач. прил.* анча илгариги (ёки кейинги); узоқ; **~ые времена́** узоқ ўтмишдаги вақтлар; қадимги замонлар; **в ~ом бу́дущем** узоқ келажакда; узоқ келажакдаги, узоқ келажакда бўладиган; 5 *в знач. прил.* бевосита боғланмаган, алоқаси узоқ; бир оз (сал-пал, озгина) яқинлиги бўлган; **~ое схо́дство** озгина (сал-пал) ўхшашлик; **~ый намёк** узоқдан келтириб шама қилиш, узоқ шама; 6 *в знач. прил.* унча яқин бўлмаган, сал-пал чатишган, узоқ; **~ое родство́** узоқ қариндошлик; 7 *в знач. прил.* бефарқ, эътиборсиз; бегоналардек; **~ый взгляд** эътиборсизлик билан қараш; бефарқ (бегоналардек) қараш; ✦ **места́ не столь ~ые** *ирон.* яқингина жой (сургун жойи ҳақида кесатиқ билан айтилган ибора).

ОТДАЛИ́/ТЬ *сов.* (*несов.* **отдаля́ть**) 1 *что* узоқлаштирмоқ, йироқлаштирмоқ; узоқда тутмоқ; узоқроқ олиб кетмоқ, қочирмоқ; **~ть предме́т от фотоаппара́та** предметни фотоаппаратдан узоқлаштирмоқ; **~ть кни́гу от глаз** китобни кўздан узоқлаштирмоқ (узоқда тутмоқ); 2 *что* кечиктирмоқ; орқага сурмоқ; вақтини чўзмоқ (узайтирмоқ); **~ть мину́ты разлу́ки** айрилиқ онларини (ҳижрон дамларини) чўзмоқ; 3 *кого* ўзидан узоқлаштирмоқ, совитмоқ, кўнглини қолдирмоқ; **~ть *кого-л.* от себя́ невнима́нием** эътиборсизлик билан кимсани ўзидан узоқлаштирмоқ (совитмоқ); 4 бир-биридан узоқлаштирмоқ, ажратмоқ; **ссо́ра ~ла их** жанжал уларни бир-биридан узоқлаштирди; **боле́знь ~ла его́ от люби́мой рабо́ты** касаллик уни севимли ишидан узоқлаштирди (ажратди).

ОТДАЛИ́/ТЬСЯ *сов.* (*несов.* **отдаля́ться**) 1 узоқлашмоқ, йироқлашмоқ, олисга кетиб қолмоқ; **ло́дка ~лась от бе́рега** қайиқ қирғоқдан узоқлашди; 2 *перен.* четга чиқмоқ, узоқлашмоқ (мавзудан, гап оқимидан ва ҳ. к.); **~ться от те́мы разгово́ра** суҳбат мавзуидан четга чиқмоқ (узоқлашмоқ); гапни бошқа ёққа бурмоқ; 3 узоқлашмоқ, алоқани узмоқ, ўзини четга олмоқ, гаплашмай қўймоқ; **~ться от компа́нии** улфатларидан узоқлашмоқ.

ОТДАЛЯ́ТЬ *несов. см.* **отдали́ть**.

ОТДАЛЯ́ТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **отдали́ться**; 2 *страд. от* **отдаля́ть**.

ОТДА́НИЕ *с:* ~ **по́честей** иззат-икром қилмоқ; ~ **че́сти** *воен.* честь бермоқ.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ОТДАРИВАТЬ *несов. см.* **отдарить.**

ОТДАРИТЬ *сов.* (*несов.* **отдаривать**, *кого-что разг.* совғага (совға эвазига) совға (қаримта) қайтармоқ; ~ **це́нной кни́гой** қимматбаҳо китоб қайтармоқ; ~ **за любо́вь и забо́ту** меҳру муҳаббат учун қаримта қайтармоқ, меҳру муҳаббатига лойиқ хизмат қилмоқ.

ОТДАРИ́ТЬСЯ *сов. разг.* совғага совға (қаримта) қайтармоқ, яхшилигини қайтармоқ, яхшиликка яхшилик қилмоқ, узилмоқ;— **Я вам сто́лько обя́зан, что мне до́лго ещё не** ~ (Писемский) Мен сиздан шунчалар миннатдорманки, узилишимга ҳали анча бор.

ОТДАТЬ, **-да́м**, **-да́шь**, **-да́ст**; **-дади́м**, **-дади́те**, **-даду́т** *сов.* (*несов.* **отдава́ть**) 1 *кого-что* қайтармоқ, қайтариб бермоқ; ~ **журна́лы в библиоте́ку** журналларни кутубхонага қайтармоқ; ~ **това́рищу долг** ўртоғига қарзини бермоқ (тўламоқ); 2 *кого-что* қўлига бермоқ, топширмоқ, тутқизмоқ; ~ **ключи́ от кварти́ры** квартира калитини бермоқ (топширмоқ); **он о́тдал мне свой мопе́д** у менга ўзининг мопедини берди; 3 *что* ихтиёрига (ижарага, фойдаланиш учун ва ҳ. к.) бермоқ, бериб турмоқ, топширмоқ; ~ **в аре́нду** ижарага бермоқ, ижара қўймоқ; **дом о́тдан внаём** уй ижарага берилди; ~ **в** *чьё-л.* **распоряже́ние** бировнинг ихтиёрига топширмоқ; 4 *перен. кого-что за что* қурбон қилмоқ, фидо қилмоқ; бағишламоқ, тикмоқ; сарф қилмоқ; ~ **жизнь за свобо́ду и незави́симость Ро́дины** Ватаннинг озодлиги ва мустақиллиги учун жон фидо этмоқ; ~ **все си́лы рабо́те** бутун кучини ишга бағишламоқ; ~ **всю свою́ жизнь нау́ке** бутун ҳаётини илмга бағишламоқ (сарф қилмоқ); 5 *кого-что* топширмоқ, бериб (қолдириб, ташлаб) кетмоқ; ~ **го́род неприя́телю** шаҳарни душманга топширмоқ; 6 *что* бирор мақсадда бермоқ, топширмоқ; ~ **костю́м в чи́стку** костюмни тозалашга бермоқ; ~ **в ремо́нт** ремонтга бермоқ; ~ **в сти́рку** ювишга бермоқ; 7 *кого* жойлаштирмоқ, топширмоқ; бермоқ; ~ **ребёнка в я́сли** болани яслига бермоқ (жойлаштирмоқ); ~ **в шко́лу** мактабга бермоқ; ~ **в интерна́т** интернатга бермоқ (топширмоқ); 8 *кого кому* или *за кого* турмушга чиқармоқ, эрга бермоқ, узатмоқ; **На́стю в пятна́дцать лет о́тдали за́муж за моего́ отца́** (Гладков) Настяни ўн беш ёшида менинг отамга беришди (узатишди); 8 *кого-что разг.* сотмоқ, бермоқ; ~ **за бесце́нок** арзонга сотмоқ, арзон сотмоқ; 10 *что разг.* тўламоқ, пул бермоқ; **ско́лько вы о́тдали за портфе́ль?** портфель учун қанча тўладингиз?; 11 қайтармоқ, тепмоқ, урмоқ (отиш қуроллари ҳақида); 12 *безл.* оғриқ бермоқ, сезилмоқ (оғриқ ҳақида); 13 *что мор.* ечмоқ, бўшатмоқ; ~ **концы́** арқонларни ечмоқ (йўлга чиқмоқ, жўнамоқ маъносида); 14 баъзи отлар билан келиб, шу отлар билан боғлиқ маъно англатадиган бирикма ҳосил қилади, мас., ~ **прика́з** буйруқ бермоқ; ~ **распоряже́ние** фармон бермоқ; ✦ ~ **бо́гу ду́шу** жон бермоқ, бандаликни бажо келтирмоқ; ~ **визи́т** (йўқлаб келгани учун) йўқлаб бормоқ, жавобан ташриф буюрмоқ; ~ **до́лжное (справедли́вость)** *кому-чему* тақдир этмоқ, тан бермоқ, қадрига етмоқ; ~ **под суд** *кого* судга бермоқ; ~ **после́дний долг** *кому* дафн (кўмиш) маросимига қатнашмоқ, видолашмоқ; ~ **ру́ку** *чью кому уст.* эрга бермоқ, узатмоқ; ~ **ру́ку и се́рдце** *кому уст.* кўнгил бериб турмуш қурмоқ; ~ **се́рдце** *кому* бировга кўнгил бермоқ, бировни севиб қолмоқ.

ОТДАТЬСЯ, **-да́мся**, **-да́шься**, **-да́стся**; **-дади́мся**, **-дади́тесь**, **-даду́тся** *сов.* (*несов.* **отдава́ться**) 1 *кому-чему* и *на что* ихтиёрига берилмоқ, топширилмоқ, **бу́йин эгмоқ**, бўйин бермоқ, бўйсунмоқ; домига тушмоқ; **плове́ц отда́лся тече́нию реки́** сузувчи ўзини дарё оқимига ташлаб қўйди (оқим билан суза бошлади); ~ **во́ле друзе́й** дўстлар иродасига бўйсунмоқ, дўстлар нима деса шуни қилмоқ; ~ **на во́лю победи́теля** ғолиблар ихтиёрига топширилмоқ; 2 *кому уст.* таслим бўлмоқ; ~ **врагу́** душманга таслим бўлмоқ; ~ **в плен** асир тушмоқ; 3 *кому-чему* берилмоқ, ўзини фидо этмоқ, умрини бағишламоқ, тикмоқ; ~ **нау́ке** ўзини илмга бағишламоқ; 4 *чему* берилмоқ, чўммоқ, ботмоқ; ~ **воспомина́ниям** хотираларга чўммоқ; **ма́льчик весь отда́лся но́вым впечатле́ниям** бола бус-бутун янги таассуротларга берилди; 5 *кому* унамоқ, кўнмоқ (жинсий алоқага — хотин-қизлар ҳақида); 6 акс этмоқ, билинмоқ, сезилмоқ (оғриқ ҳақида); акс садо бермоқ (товуш ҳақида); **в гора́х отда́лось э́хо** тоғларда акс садо эшитилди; 7 *в ком-чём* уйғотмоқ, қўзғатмоқ; пайдо қилмоқ.

ОТДА́Ч/А *ж* 1 *по гл.* **отда́ть** 1—4, 6, 7; 2 тепиш; орқага уриш (отиш қуроллари ҳақида); 3 *перен.* сермаҳсул (унумли) иш; унум билан ишлаш; **рабо́тать с по́лной ~ей** тўла унум билан (қўлдан келганча) ишлаш; 4 *спец.* фойдали иш коэффициенти; ~**а маши́ны** машинанинг фойдали иш коэффициенти; ✦ **без ~и** қайтариб бермаслик (олмаслик) шарти билан; еб кетарга; **взять без ~и** қайтариб бермаслик шарти билан олмоқ; еб кетарга олмоқ.

ОТДВИЖН/ОЙ, **-а́я**, **-о́е** суриладиган, силжийдиган, сурилма; ~**а́я дверь** суриладиган (суриб очиладиган) эшик; сурилма эшик.

ОТДЕЖУ́РИВАТЬ *несов. см.* **отдежу́рить** 2.

ОТДЕЖУ́РИТЬ *сов.* 1 дежурлик қилиб бўлмоқ, навбатчиликдан қутулмоқ; ~ **свою́ сме́ну** ўз сменасида дежурлик қилиб бўлмоқ; 2 (*несов.* **отдежу́ривать**) бирмунча вақт дежурлик қилмоқ; маълум вақтни навбатчиликда (дежурликда) ўтказмоқ; ~ **су́тки** (бир) кеча-кундуз навбатчилик қилмоқ.

ОТДЕ́Л *м* 1 бўлим, қисм; **вегетати́вный ~ не́рвной систе́мы** нерв системасининг вегетатив қисми; 2 бўлим; шуъба (*эск.*); ~ **ка́дров** кадрлар бўлими; **пла́ново-экономи́ческий ~** план-экономика бўлими; **райо́нный ~ наро́дного образова́ния** район халқ маориф бўлими; **галантере́йный ~ магази́на** магазиннинг галантерея бўлими; 3 боб, қисм, бўлим, фасл; ~ **сати́ры и ю́мора** сатира ва юмор бўлими.

ОТДЕ́ЛАТЬ *сов.* (*несов.* **отде́лывать**) 1 *что* ишлаб (ишлов, пардоз бериб) битирмоқ, битказмоқ; тахт қилмоқ, қўлдан чиқармоқ, ишловини (пардозини) келтирмоқ; ~ **кварти́ру** квартирани қўлдан (пардоздан) чиқармоқ; ~ **статью́** мақолани ишлаб битирмоқ (маромига етказмоқ); 2 *что под что* ўхшатиб ишламоқ; кўринишида ишлов бермоқ; ~ **под мра́мор** мармарга ўхшатиб ишламоқ (бўямоқ); мармар кўринишида ишлов бермоқ; 3 *что чем* зийнатламоқ, безамоқ; ~ **пла́тье кружева́ми** кўйлакка тўр (кружева) тутиб безамоқ; ~ **гармо́нь перламу́тром** гармонни садаф қадаб безамоқ; ~ **зда́ние коло́ннами** бинони колонналар билан безамоқ; 4 *что прост.* ифлос қилмоқ, кир қилмоқ, расвосини чиқармоқ; ~ **костю́м кра́ской** костюмни бўёқ теккизиб ифлос қилмоқ; **где ты так отде́лал ту́фли?** туфлингни қаерда бунчалик расвосини чиқардинг?; 4 *кого прост.* қаттиқ койимоқ, уришмоқ, сўкмоқ; 5 *кого прост.* дўппосламоқ, калтакламоқ, адабини бермоқ; уриб абжақ қилмоқ; абжағини чиқармоқ; ~ **за хулига́нство** безорилиги учун адабини бериб қўймоқ.

ОТДЕ́ЛАТЬСЯ *разг.* 1 *от чего* қутулмоқ, бўшамоқ, халос (озод) бўлмоқ; ~ **от уро́ков** дарслардан қутулмоқ (озод бўлмоқ); ~ **от поруче́ния** топшириқдан қутулмоқ; топшириқдан баҳона топиб қочмоқ; 2 *от кого-чего* бир амаллаб ўзини халос қилмоқ, қутулмоқ, бировга оширмоқ; ~ **от нену́жных вещей́** бекорчи нарсалардан қутулмоқ; бекорчи нарсаларини бировга оширмоқ; ~ **от назо́йливого сосе́да** хира қўшнидан аранг қутулмоқ; 3 *чем* сал (озгина, арзимас ва ҳ. к.) нарса билан қутулмоқ, жон койитмай қутулмоқ, осонгина қутулиб олмоқ; ~ **обеща́ниями** ваъдалар билан қутулмоқ; ~ **шта́фом** штраф билан (штраф тўлаб) қутулмоқ; **дёшево** (или **легко́**, **счастли́во**) ~ осонлик билан қутулмоқ, бешикаст қутулмоқ (бирор фалокат, кўнгилсиз ҳодиса ва ш. к. дан).

ОТДЕЛЕ́НИ/Е *с* 1 *по гл.* **отдели́ть** и **отдели́ться**; ~**е кру́пных зёрен от ме́лких** йирик донларни майдаларидан ажратиш; ~**е це́ркви от госуда́рства** черковни давлатдан ажратиш; ~**е слюны́** тупукнинг ажралиб чиқиши; 2 *мн.* ~**я** организмда ажралиб (оқиб) чиқадиган нарса; **гно́йные ~я** йиринг, патос; 3 бўлим, бўлма, хона, катак; ~**я пена́ла** қаламдоннинг бўлимлари (хоналари); **в комо́де не́сколько ~й** комодда бир неча бўлим (хона, катак) бор; ~**е для молодняка́** ёш моллар турадиган (боқиладиган) хона; 4 бўлим; шуъба (*эск.*); **инфекцио́нное ~е больни́цы** касалхонанинг юқумли касалликлар бўлими; **физи́ческое ~е факульте́та** факультетнинг физика бўлими; **дневно́е ~е институ́та** институтнинг кундузги бўлими; ~**е мили́ции** милиция бўлими; 5 бўлим, қисм; **конце́рт из двух ~й** икки бўлимдан (қисмдан) иборат концерт; 6 *уст.* боб, қисм, бўл-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лим, фасл; 7 отделение (взводнинг бир қисми); **стрелко́вое ~е** ўқчилар отделениеси.

ОТДЕЛЁНН/ЫЙ, -ая, -ое 1 *прич. от* **отдели́ть; часть ко́мнаты, ~ая ши́рмой** хонанинг ширма билан ажратилган бўлаги (қисми); 2 *в знач. сущ.* **~ый** *м* отделение командири; **прика́з ~ого** отделение командирининг буйруғи.

ОТДЕЛИМЫЙ, -ая, -ое ажраладиган, ажратиладиган, ажратиб олиб бўладиган.

ОТДЕЛИТЕЛЬНЫЙ, -ая, -ое ажратувчи, айирувчи, айириб (ажратиб) турувчи; чегара; **~ щит** айирувчи (ажратиб турувчи) тўсиқ.

ОТДЕЛИ/ТЬ, -елю́, -е́лишь *сов.* (*несов.* **отделя́ть**) 1 *что* ажратмоқ, айирмоқ; айириб (ажратиб) ташламоқ (юбормоқ), ажратиб олмоқ; сараламоқ; **~ть желто́к от белка́** тухумнинг сариғини (оқидан) ажратмоқ; **~ть проро́сший карто́фель** ниш урган картошкаларни айириб олмоқ (ажратмоқ); **~ть сортовы́е семена́** навли уруғни ажратмоқ; **Плённых офице́ров ~ли от солда́т и веле́ли им идти́ вперёд** (Л. Толстой) Асир тушган офицерларни солдатлардан айириб, уларга олдинда боришни буюрдилар; 2 *что* ажратиб (бўлиб, ушатиб, синдириб, шилиб ва ҳ. к.) олмоқ, синдириб (ажратиб) туширмоқ; **~ть пласт у́гля** кўмир қатламини ажратиб (ушатиб, уватиб, қулатиб) туширмоқ; **~ть кору́** пўстлоқни шилмоқ (арчмоқ), шилиб (арчиб) ташламоқ; 3 *что* ажратмоқ, фарқ қилмоқ, фарқига бормоқ; **~ть пра́вду от лжи** ҳақиқатни ёлғондан ажратмоқ, ҳақиқат билан ёлғоннинг фарқига бормоқ; 4 *что* ажратмоқ, ажратиб турмоқ, ажратиб (ўраб, иҳоталаб) олмоқ; **~ть часть ко́мнаты перегоро́дкой** уйнинг бир қисмини тўсиқ билан ажратмоқ; **са́дик отделён от двора́ огра́дэй** боғча ҳовлидан қўра билан ажратилган; **зе́мли сосе́дних колхо́зов отделены́ рекой** қўшни колхозларнинг ерлари дарё билан ажратилган; 5 *кого* бир-биридан ажратмоқ, узоқлаштирмоқ, бегоналаштирмоқ, жудо қилмоқ; **их ~ла толпа́** уларни оломон бир-биридан ажратиб қўйди; 6 *что* ажратиб бермоқ; **~ть часть до́ма** *для кого-л.* уйнинг бир қисмини кимсага ажратиб бермоқ; 7 *что* айирмоқ, ажратмоқ, ажратиб (бўлак қилиб) ташламоқ, бошқа-бошқа қилиб қўймоқ, алоқасини (боғланишини) узмоқ; **~ть це́рковь от госуда́рства** черковни (динни) давлатдан ажратмоқ; 8 *кого* рўзғорини ажратмоқ, алоҳида (бўлак, мустақил) қилиб қўймоқ; **~ть молоды́х** ёшларни (куёв-келиннинг рўзғорини) бўлак қилиб қўймоқ.

ОТДЕЛИ/ТЬСЯ *сов.* (*несов.* **отделя́ться**) 1 *от чего* ажралмоқ, ажралиб (бўлиниб) кетмоқ, ажралиб (бўлиниб, синиб, кўчиб ва ҳ. к.) тушмоқ, кўчиб (шилиниб) чиқмоқ; кўчиб (шилиниб) кетмоқ; **обо́и ~лись от стены́** гулқоғозлар девордан кўчиб кетибди; **разва́ренное мя́со легко́ ~лось от косте́й** ҳил-ҳил пишган гўшт суяклардан осонгина ажралди; 2 *от кого-что* ажралмоқ; ажралиб кетмоқ, узоқлашмоқ, бегона бўлмоқ; **~ться от привы́чной среды́** ўрганган муҳитидан узоқлашмоқ (узоқлашиб қолмоқ); 3 нари кетмоқ, узоқлашмоқ, ажралиб чиқмоқ; **ка́тер ~лся от бе́рега** катер қирғоқдан узоқлашди (нари кетди); **~ться от толпы́** оломондан ажралиб чиқмоқ; 4 *от кого* и *без доп. уст.* алоҳида (бўлак, мустақил) бўлмоқ, рўзғорини бошқа қилмоқ; **~ться от отца́** ота уйидан ажралиб (бўлак бўлиб) чиқмоқ; **два сы́на ~лись** икки ўғил ажралиб (бўлак бўлиб) чиқиб кетган; 5 ажралиб чиқмоқ; **слюна́ ~лась** тупук ажралиб чиқди, сўлаги оқди, сўлакайи оқа бошлади.

ОТДЕЛК/А *ж* 1 **отде́лать** 1—3; **~а помеще́ния** бинога пардоз бериш; **~а под дуб** дубга ўхшатиб ишлаш (бўяш); **зако́нчить ~у** *чего-л.* **в срок** пардозлаш ишларини муддатида тугалламоқ; 2 зийнат, безак, пардоз, сайқал; **вну́тренняя ~а зда́ния** бинонинг ички пардози (безаги); **кружевна́я ~а** тўр безак; **пла́тье с ~ой** безакли кўйлак.

ОТДЕЛО́ЧНЫ/Й, -ая, -ое 1 пардозлаш билан боғлиқ бўлган; пардозлаш...; **~е рабо́ты** пардозлаш ишлари; 2 пардозлаш учун ишлатиладиган, пардозлаш...; **~е материа́лы** пардозлаш материаллари.

ОТДЕЛЫВАТЬ *несов. см.* **отде́лать.**

ОТДЕЛЫВАТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **отде́латься;** 2 *страд. от* **отде́лывать.**

ОТДЕЛЬНО *нареч.* бошқалардан ажралган (ажратилган) ҳолда, **бўлак қилиб** (бўлиб), **алоҳида олиб, бошқа-бошқа,** алоҳида-алоҳида, мустақил равишда; **жить ~** алоҳида яшамоқ; бўлак бўлиб яшамоқ; **де́йствовать ~** мустақил (алоҳида) ҳаракат қилмоқ; ўзнча (ўз бошига) ҳаракат қилмоқ; **на э́том вопро́се сле́дует останови́ться ~** бу масалага алоҳида тўхтаб ўтиш лозим; **~ стоя́щее де́рево** алоҳида (якка, танҳо) турган дарахт; **положи́ э́ту па́пку ~** бу папкани алоҳида (бўлак қилиб) қўй.

ОТДЕЛЬНОСТ/Ь *ж* алоҳидалик, айримлик; ✦ **в ~и** алоҳида, алоҳида-алоҳида, бошқаларга қўшмасдан; **рассма́тривать ка́ждый вопро́с в ~и** ҳар бир масалани алоҳида-алоҳида кўриб чиқмоқ; **объясни́ть ка́ждому в ~и** ҳар бирига алоҳида-алоҳида тушунтирмоқ.

ОТДЕЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое 1 айрим, алоҳида, бўлак, мустақил; **~ое де́рево** айрим дарахт; **раздали́сь ~ые восклица́ния** у ер-бу ердан айрим хитоблар эшитилди; 2 баъзи, айрим; онда-сонда учрайдиган; **~ые фа́кты** айрим (баъзи) фактлар; онда-сонда учрайдиган фактлар; **в ~ых райо́нах** айрим (баъзи) районларда; **в ~ых слу́чаях** баъзи ҳолларда; 3 алоҳида, махсус, айрим, холис, ҳос; **~ая кварти́ра** алоҳида (махсус) квартира; **~ая по́лка для книг** китоб қўйиш учун алоҳида токча; китоб қўйиладиган махсус токча; **~ый но́мер в гости́нице** меҳмонхонада алоҳида (холис) номер; 4 *воен.* мустақил, алоҳида; **~ый батальо́н** мустақил (алоҳида) батальон.

ОТДЕЛЯ/ТЬ *несов.* 1 *см.* **отдели́ть;** 2 *что от чего* чегараламоқ, ажратмоқ, ажратиб турмоқ; **река́ ~ет па́стбище от посе́вов** дарё ўтлоқни экинзордан ажратиб туради.

ОТДЕЛЯ́ТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **отдели́ться;** 2 ажралиб (кўриниб) турмоқ; 3 *страд. от* **отделя́ть.**

ОТДЁРГИВАТЬ *несов. см.* **отдёрнуть.**

ОТДЁРНУТЬ *сов.* (*несов.* **отдёргивать**) *что* 1 тортиб қўймоқ, тортиб (силтаб) суриб қўймоқ, очмоқ; **~ занаве́ску** пардани тортиб қўймоқ, пардани силтаб очмоқ; 2 тортиб олмоқ; силтаб орқага тортмоқ; **~ ру́ку** қўлини тортиб олмоқ; қўлини силтаб орқага тортмоқ.

ОТДИРА́ТЬ *несов. см.* **отодра́ть** 1.

ОТДИРА́ТЬСЯ, -а́ется *несов.* 1 *см.* **отодра́ться;** 2 *страд. от* **отдира́ть.**

ОТДОИ́ТЬ *сов.* 1 (*несов.* **отда́ивать**) *что* соғиб олмоқ; **~ немно́го молока́** озгина сут соғиб олмоқ; 2 соғиб бўлмоқ.

ОТДОИ́ТЬСЯ *сов.* 1 (*несов.* **отда́иваться**) сутдан чиқмоқ, сутдан қолмоқ, сут бермай қўймоқ; 2 соғиб бўлмоқ.

ОТДОХНОВЕНИ/Е *с уст.* дам (тин, ором) олиш, ҳордиқ чиқариш; **находи́ть ~е в му́зыке** музика тинглаб ҳордиқ чиқармоқ; **часы́ ~я** дам олиш соатлари.

ОТДОХНУ́ТЬ *сов.* (*несов.* **отдыха́ть**) дам (тин, ором) олмоқ, истироҳат қилмоқ, ҳордиқ чиқармоқ; **~ по́сле доро́ги** йўлдан келиб дам олмоқ; **вам сле́дует ~** сиз дам олишингиз керак; ✦ **~ душо́й (се́рдцем)** тинчини олмоқ, бир неча вақт беташвиш (ташвишлардан нари) бўлмоқ, беташвиш дам (ором) олмоқ.

ОТДРА́ИВАТЬ I *несов. см.* **отдра́ить** I.

ОТДРА́ИВАТЬ II *несов. см.* **отдра́ить** II.

ОТДРА́ИТЬ I *сов.* (*несов.* **отдра́ивать** I) *что мор.* очмоқ, очиб қўймоқ; **~люк** люкни очмоқ; люкни очиб қўймоқ.

ОТДРА́ИТЬ II *сов.* (*несов.* **отдра́ивать** II) *что разг.* ярқиратиб тозаламоқ, яхшилаб артмоқ, тозалаб ярқиратиб юбормоқ; **~ пол** полни ярқиратиб артмоқ; **~ ча́йник** чойнакни ярқиратиб тозаламоқ, чойнакни тозалаб ярқиратиб юбормоқ.

ОТДУВАТЬ *несов. см.* **отду́ть** 1; ✦ **~ щёки** лунжини шиширмоқ.

ОТДУВА/ТЬСЯ *несов.* 1 *разг.* пишиллаб нафас олмоқ, ҳансирамоқ, ҳарсилламоқ, оғир нафас олмоқ; **~ться по́сле купа́нья** чўмилиб бўлгач, ҳансираб қолмоқ; **~ясь, подними́ться по ле́стнице** ҳарсиллаб-гурсиллаб зинапоядан кўтарилмоқ; 2 *прост.* бошқалар (ёки ўз) хатоси, айби учун жавоб бермоқ, жабрини тортмоқ, балогардон (тўғаноқ) бўлмоқ; бировнинг касрига (жатига) қолмоқ; **ему́ пришло́сь ~ться за други́х** у бошқалар учун ишлашга (бошқаларнинг ишини қилишга) мажбур бўлди; **бошқаларнинг иши (ёки айби) унинг бўйнига тушди; ~ться свои́ми бо-**

www.ziyouz.com kutubxonasi

ка́ми жабрини ўз елкасида тортмоқ; 3 *см.* **отду́ться**; 4 *страд. от* **отдува́ть**.

ОТДУМА́/ТЬ *сов.* (*несов.* **отду́мывать**) *разг.* фикридан (ниятидан ва ҳ. к.) қайтмоқ, айнимоқ; **он ~л е́хать** у кетиш фикридан қайтди.

ОТДУ́МЫВАТЬ *несов. см.* **отду́мать**.

ОТДУ́ТЬ *сов.* 1 (*несов.* **отдува́ть**) *что* учирмоқ, учириб олиб кетмоқ; пуфлаб юбормоқ, пуфлаб ташламоқ; 2 *прост. кого* дўппосламоқ, калтакламоқ, урмоқ; 3 *прост.* югуриб (қанчадир йўл) босмоқ, йўл босиб ўтмоқ.

ОТДУ́ТЬСЯ *сов.* (*несов.* **отдува́ться** 3) қаппаймоқ, шишмоқ, дўппаймоқ, дўмбира бўлмоқ.

ОТДУ́ШИН/А *ж* 1 туйнук, йўл (ҳаво, газ, тутун чиқиб туриши учун); 2 *перен.* юпанчиқ, овунчиқ, тасалли (таскин, осойиш, ором) берадиган нарса; **найти́ ~у** *в чём-л.* бир нарса билан овунмоқ, бирор нарсадан тасалли топмоқ.

ОТДУ́ШИНИК *м то же, что* **отду́шина** 1.

ОТДЫХ *м* дам олиш, истироҳат қилиш, тиним, ором, ҳордиқ; **дом ~а** дам олиш уйи; **день ~а** дам олиш куни; **без ~а** дам олмасдан, тинимсиз, бетиним; **тури́зм — лу́чший вид ~а** туризм дам олишнинг энг яхши туридир; **дай ~ голове́** миянгга дам бер; ✦ **ни ~у, ни сро́ку не дава́ть** *кому* кимсани жони-ҳолига қўймасдан қистамоқ, қийинқистоққа олмоқ.

ОТДЫХА́ТЬ *несов. см.* **отдохну́ть**; **~ лу́чше всего́ в гора́х** энг яхшиси — тоғда дам олиш, тоғда дам олиш ҳаммадан яхши, тоғда дам олгандан яхшиси йўқ; **~ от дел** ишдан дам олиш.

ОТДЫХА́ЮЩ/ИЙ, **-ая**, **-ее** 1 *прич. от* **отдыха́ть**; 2 *в знач. сущ.* **~ий** *м*, **~ая** *ж* дам олувчи; **~ие пансиона́та** пансионатда дам олувчилар.

ОТДЫША́ТЬСЯ, **-ышу́сь**, **-ы́шишься** *сов.* 1 нафасини ростлаб олмоқ; **~ по́сле бе́га** чопишдан (югуришдан) кейин нафасини ростлаб олмоқ; 2 *перен. прост.* ўзига келмоқ, соғайиб кетмоқ, оёққа турмоқ; **~ по́сле боле́зни** касалликдан кейин ўзига келиб қолмоқ; касалликдан кейин оёққа турмоқ.

ОТЁК *м* шиш; шишган (керккан, солқиган) жой; **~ лёгких** ўпка шиши; **~и под глаза́ми** кўз ости (қовоқ) солқиши.

ОТЕКА́ТЬ *несов. см.* **оте́чь**.

ОТЁЛ *м* туғиш, болалаш (сигир ҳақида).

ОТЕЛИ́/ТЬСЯ, **оте́лится** *сов.* туғмоқ, болаламоқ (сигир ҳақида); **коро́ва ~лась** сигир туғди.

ОТЕ́ЛЬ *м* меҳмонхона.

ОТЕ́ЛЬНЫЙ, **-ая**, **-ое** меҳмонхонага оид; меҳмонхона...; **~ швейца́р** меҳмонхона швейцари.

ОТЕНИ́ТЬ *сов. кого-что* соя солмоқ, кўланка ташламоқ, сояси тушмоқ; **бесе́дка, отенённая кро́нами чина́ры** чинор соясидаги шийпон.

ОТЕПЛЕ́НИЕ *с по гл.* **отепли́ть**; **~ шко́лы** мактабни иссиқ (иссиқ тутадиган) қилиш.

ОТЕПЛИ́ТЬ *сов.* (*несов.* **отепля́ть**) *что* иситмоқ, иссиқ қилмоқ, иссиқ тутадиган қилиб ўрамоқ; **~ зда́ние** бинони иссиқ (иссиқ тутадиган) қилмоқ.

ОТЕПЛЯ́ТЬ *несов. см.* **отепли́ть**.

ОТЕРЕ́ТЬ, **отру́**, **отрёшь**; **отёр**, **отёрла** *сов.* (*несов.* **оти́рать**) *то же, что* **обтере́ть** 1.

ОТЕРЕ́ТЬСЯ, **отру́сь**, **отрёшься**; **отёрся**, **отёрлась** *сов.* (*несов.* **оти́раться**) *сов. то же, что* **обтере́ться** 1.

ОТЕСА́ТЬ, **отешу́**, **оте́шешь** *сов.* (*несов.* **отёсывать**) *то же, что* **обтеса́ть**.

ОТЕСА́ТЬСЯ, **отешу́сь**, **оте́шешься** *сов.* (*несов.* **отёсываться**) *то же, что* **обтеса́ться**.

ОТЁСЫВАТЬ *несов. то же, что* **обтёсывать**.

ОТЁСЫВАТЬСЯ *несов. то же, что* **обтёсываться**.

ОТЕ́Ц *м, р.* **отца́** 1 ота, дада, падар; **родно́й ~** туғишган ота; ўз отаси; **приёмный ~** асраб олган ота; **он стал отцо́м** у ота бўлди (бола кўрди); **пойти́ в отца́** отага ўхшамоқ, ота изидан бормоқ; отасининг ўғли бўлмоқ; 2 бошлиқ, ота, раҳнамо; **~ семе́йства** оила бошлиғи; 3 *мн.* **отцы́** боболар, аждодлар; 4 *мн.* **отцы́** *уст.* отахонлар, оқсоқоллар, раҳбарлар, бошлиқлар; **отцы́ го́рода** шаҳар(нинг) оқсоқоллари; 5 ота, асосчи; **Абай — ~ каза́хской литерату́ры** Абай — қозоқ адабиётининг отаси; 6 ота, отахон (кексаларга мурожаат формаси); 7 *рел. уст.* ота.

ОТЕ́ЦК/ИЙ, **-ая**, **-ое** *прост. то же, что* **отцо́вский**; ✦ **~ий сын** (**~ая дочь**) *нар.-поэт.* ҳурматли бой одамнинг ўғли (қизи).

ОТЕЧЕ́СК/ИЙ, **-ая**, **-ое** 1 оталарча, оталарга хос бўлган, оталик...; **~ая забо́та** оталарча ғамхўрлик; **~ий долг** оталик бурчи; 2 *уст.* отадан қолган, туғилиб ўсган, киндик қони тўкилган; **~ий дом** туғилиб ўсган уй; 3 *уст.* ота-боболардан қолган.

ОТЕЧЕ́СТВЕНН/ЫЙ, **-ая**, **-ое** 1 ватанга оид; ватан...; 2 ўз мамлакатига оид; мамлакатнинг ўзидаги; **това́ры ~ого произво́дства** мамлакатнинг ўзида ишлаб чиқарилган товарлар; **~ая промы́шленность** мамлакатнинг ўз саноати; ✦ **Вели́кая Оте́чественная война́** Улуғ Ватан уруши.

ОТЕ́ЧЕСТВ/О *с* 1 ватан, диёр; **социалисти́ческое ~о** социалистик ватан; **любо́вь к ~у** ватанга муҳаббат; **защи́та ~а — долг ка́ждого граждани́на СССР** ватанни ҳимоя қилиш ҳар бир СССР гражданининг бурчидир; 2 *уст.* ватан, юрт, бешик; **Англия есть ~ о карикату́ры и паро́дии** (Пушкин) Англия карикатура ва пародиянинг бешигидир; карикатура ва пародия Англияда юзага келган.

ОТЕ́ЧНОСТЬ *ж* шишганлик, керкканлик, солқиганлик; шиш; **~ ног** оёқларнинг солқиганлиги (шишганлиги); оёқлардаги шиш.

ОТЕ́ЧНЫ/Й, **-ая**, **-ое** 1 шишга, шишишга оид; шиш...; шишиш...; **~е явле́ния** солқиш (шишиш) ҳоллари; 2 шишган, керккан, солқиган; **~е но́ги** шишган (солқиган) оёқлар.

ОТЕ́/ЧЬ, **-еку́**, **-ечёшь**; **-ёк**, **-екла́** *сов.* (*несов.* **отека́ть**) 1 шишмоқ, керкмоқ, солқимоқ; шишиб кетмоқ; **у меня́ ~кли́ но́ги** оёқларим шишиб кетди; 2 ёниб эриб тушмоқ; **свеча́ ~кла́** шам эриб тушди.

ОТЖА́/ТЬ I, **отожму́**, **отожмёшь** *сов.* (*несов.* **отжима́ть**) 1 *что* сиқмоқ, сиқиб сувини чиқармоқ; **~ть сок из апельси́на** апельсинни сиқиб сувини чиқармоқ; **~ть бельё** кирни сиқмоқ; 2 *кого-что разг.* чекинтириб сиқиб бормоқ, сиқиб қўймоқ; **та́нки бы́ли ~ты к ле́су** танклар ўрмон томонга сиқиб қўйилган эди; 3 *спец.* сиқиб (босиб) қочирмоқ, очмоқ; **~ть кла́пан во́здухом** клапанни ҳаво босими билан очмоқ.

ОТЖА́/ТЬ II, **отожну́**, **отожнёшь** *сов.* (*несов.* **отжина́ть**) ўрим-йиғимни тамомламоқ, ўриб бўлмоқ, ўриб қўймоқ; **пшени́цу уже́ ~ли** буғдойни ўриб олдик; буғдой ўриб олинди (ўриб қўйилди).

ОТЖА́/ТЬСЯ I, **отожмётся** *сов.* (*несов.* **отжима́ться**) сиқилмоқ, сиқилиб суви чиқмоқ; **сок пло́хо ~лся** суви (шираси) яхши (батамом) чиқмади; **бельё хорошо́ ~лось** кир яхши сиқилди.

ОТЖА́ТЬСЯ II, **отожну́сь**, **отожнёшься** *сов.* ўриб бўлмоқ, ўришни тамомламоқ, ўришдан (ўримдан) қутулмоқ.

ОТЖЕВА/ТЬ, **-жую́**, **-жуёшь** *сов.* (*несов.* **отжёвывать**) *что разг.* чайнаб йиртиб (узиб) олмоқ; **коза́ ~ла у́гол полоте́нца** эчки сочиқнинг бир четини чайнаб узиб олди (олибди).

ОТЖЁВЫВАТЬ *несов. см.* **отжева́ть**.

ОТЖЕ́ЧЬ, **отожгу́**, **отожжёшь**; **отжёг**, **отожгла́** *сов.* (*несов.* **отжига́ть**) *что тех.* юмшатмоқ, отжиг қилмоқ; **~ сталь** пўлатни юмшатмоқ (отжиг қилмоқ).

ОТЖИВА́ТЬ *несов. см.* **отжи́ть**.

ОТЖИ́ВШ/ИЙ, **-ая**, **-ее** 1 *прич. от* **отжи́ть**; 2 *в знач. прил.* ошини ошаган, ёшини яшаган, умри тугаган, қариб-чириб кетган; қари-қартанг; 2 *в знач. прил. перен.* сўнган, совиган; сўниб (совиб) қолган, ўлик; 3 *в знач. прил. перен.* йўқолган, йўқ бўлиб (ўтиб) кетган, аввалги; **~ее вели́чие** аввалги (ўтиб кетган) салобат, аввалги дабдаба; 4 *в знач. прил. перен.* эскирган, оёқдан қолган, қолиб кетган, эскича; **~ие взгля́ды** эскирган қарашлар; **мы́слить ~ими катего́риями** эски қолипда ўйламоқ (фикр юритмоқ).

ОТЖИГ *м тех.* отжиг, юмшатиш (термик ишлов усулларидан бири); **~ста́ли** пўлатни юмшатиш; **пове́рхностный ~** юзаки отжиг (юмшатиш).

ОТЖИГАТЕЛЬН/ЫЙ, **-ая**, **-ое** *тех.* юмшатадиган, отжиг қиладиган; **отжиг...**; **юмшатиш...**; **~ая печь** отжиг (юмшатиш) печи.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ОТЖИГА́ТЬ *несов. см.* **отжечь.**

ОТЖИ́ЛИВАТЬ *несов см.* **отжи́лить.**

ОТЖИ́ЛИТЬ *сов.* (*несов.* **отжи́ливать**) *что прост.* босиб қолмоқ, ўзиники қилиб олмоқ, еб кетмоқ, қайтармаслик; ~ **чужу́ю кни́гу** бировнинг китобини ўзиники қилиб олмоқ.

ОТЖИМ *м* сиқиш, сиқиб сувини чиқариш, сиқиб сувини (ширасини) чиқариш.

ОТЖИМА́ТЬ *несов. см.* **отжа́ть** I.

ОТЖИМА́ТЬСЯ, -а́ется *несов.* 1 *см.* **отжа́ться** I; 2 *страд. от* **отжима́ть.**

ОТЖИ́МКА *ж то же, что* **отжи́м; ~ белья́** кирни сиқиш.

ОТЖИ́МКИ *мн. р.* **-мок** *то же, что* **вы́жимки; виногра́дные ~** узумнинг турпи.

ОТЖИ́МНЫЙ, -ая, -ое *тех.* сиқиб сувини чиқарадиган, сувсизлантириб қуритадиган; ~ **пресс** сиқиб сувини чиқарадиган (ёки сувсизлантирадиган, қуритадиган) пресс.

ОТЖИНА́ТЬ *несов. см.* **отжа́ть** II.

ОТЖИ́ТЬ, -иву́, -ивёшь *сов.* (*несов.* **отжива́ть**) 1 қаримоқ, қартаймоқ, ошини ошаб, ёшини яшамоқ;— **О мёртвых не́чего боле́ть,— о́тжили, и ла́дно** (Помяловский) Ўлганларга қайғуришнинг ҳожати йўқ,— ошини ошаб, ёшини яшаб ўтдиларми, бўлди; **он своё о́тжил** у қариб қолди, у ёшини яшаб, ошини ошаган; 2 *перен.* сўнмоқ, совимоқ, сўниб (совиб) қолмоқ; ўлмоқ; ўлиб бўлмоқ, ўтиб кетмоқ; **в нём о́тжили ю́ношеские мечты́** унинг ёшлик орзулари ўтиб кетди; 3 эскирмоқ, истеъмолдан (оёқдан) қолмоқ (қолиб кетмоқ); умри тугамоқ; **таки́е поня́тия давно́ о́тжили** бунақа тушунчалар аллақачон эскириб кетган; 4 *разг.* бир неча муддат яшаб турмоқ; **мы о́тжили всё ле́то в гора́х** биз ёз бўйи тогда яшаб турдик (яшадик).

ОТЖУ́ЧИТЬ *сов. кого прост.* қаттиқ уришмоқ (сўкмоқ, койимоқ, жазоламоқ); ~ **за опозда́ние** кечиккани учун қаттиқ койимоқ.

ОТЗАВТРАКА/ТЬ *сов.* 1 *разг.* нонушта қилиб бўлмоқ; **мы уже́ ~ли** биз аллақачон нонушта қилиб бўлдик; 2 *уст.* бирор жойда нонушта қилмоқ; ~**ть у знако́мых** танишларникида нонушта қилмоқ.

ОТЗАНИМА/ТЬСЯ *сов. разг.* шуғулланиб бўлмоқ, машғулотни тугатмоқ; **шко́льники ~лись** ўқувчилар машғулотни тугатдилар.

ОТЗВА́НИВАТЬ *несов. см.* **отзвони́ть** 1.

ОТЗВЕНЕ/ТЬ, -ни́т *сов.* жаранглаб (чалиниб) бўлмоқ, янграб тўхтамоқ; **звоно́к на уро́к уже́ ~л** дарсга қўнғироқ чалиниб бўлди.

ОТЗВОНИ́/ТЬ *сов.* 1 (*несов.* **отзва́нивать**) жом урмоқ; **часы́ ~ли по́лночь** соат ярим кечага жом урди; 2 қўнғироқ чалиб (жом уриб) бўлмоқ; қўнғироқ чалишни тўхтатмоқ; 3 *перен. прост.* бидирлаб (жавраб, вайсаб) бўлмоқ, жағи тинмоқ, чакаги ўчмоқ.

ОТЗВУК *м* 1 акс садо; узоқдан эшитилган (етиб келган) овоз; ~**и гро́ма** момақалдироқнинг узоқдан етиб келган овози; ~ **канона́ды** узоқдаги замбарак отишмаларининг гумбурлаши (садолари); 2 *перен.* юракдаги (юракдан чиққан) акс садо; жавоб садоси; хайрихоҳлик ҳисси, ҳамдамлик (ҳамдардлик) муносабати; ачиниш, таассуф; қўллаб-қувватлаш; 3 *перен. чего* таъсир, асар, из; оқибат; ~**и старинных леге́нд** эски ривоятларнинг таъсири (изи).

ОТЗВУЧА/ТЬ, -чи́т *сов.* тўхтамоқ, ўчмоқ, тинмоқ; **му́зыка ~ла** музика (садолари) тинди; **Ещё не ~ли пе́рвые вы́стрелы, как раздали́сь ещё други́е** (Л. Толстой) Биринчи милтиқлар овози ўчмасданоқ, яна милтиқлар овози эшитила бошланди.

ОТЗИМОВА́ТЬ, -му́ю, -му́ешь *сов.* қишламоқ, қишни бирор ерда ўтказмоқ, қишлаб қолмоқ (чиқмоқ); ~ **за го́родом** қишни шаҳар четида ўтказмоқ, шаҳар чеккасида қишлаб қолмоқ.

ОТЗОВИ́ЗМ *м* отзовизм (социал-демократик депутатларни давлат думасидан чақириб олишга, очиқ оммавий-партиявий ишдан воз кечишга, шу билан партияни оммадан ажратиб қўйишга уринган оппортунистик оқим).

ОТЗОВИ́СТ *м* отзовист, отзовизм тарафдори.

ОТЗОВИ́СТСК/ИЙ, -ая, -ое отзовизмга ва отзовистларга оид; **отзовизм...; ~ое тече́ние** отзовизм оқими.

ОТЗОЛ *м спец.* 1 *по гл.* **отзоли́ть; ~ шку́ры** териларни оҳак эритмасига (кул сувига) солиб ошлаш; 2 оҳак эритмаси, кул суви.

ОТЗОЛИ́ТЬ *сов.* оҳак эритмасига, кул сувига солиб ошламоқ; ~ **ко́жу** терини оҳак эритмасида ошламоқ.

ОТЗО́ЛКА *ж то же, что* **отзо́л** 1.

ОТЗО́ЛЬНЫЙ, -ая, -ое ошлайдиган; ошлаш...; ~ **чан** тери ошлайдиган катта идиш.

ОТЗЫВ *м* 1 жавоб (чақириққа, мурожаатга); 2 *уст.* акс садо; **да́льние ~ы пе́сни** қўшиқнинг узоқдан қайтган акс садолари; 3 *перен.* юракдан чиққан акс садо; жавоб садоси, ҳаракати; 4 фикр, мулоҳаза, баҳо; **похва́льный ~** мақтаб айтилган фикр; мақтовли баҳо; 5 *перен.* тақриз, баҳо; **положи́тельный ~ кри́тики** танқидчиларнинг ижобий баҳолари; **о кни́ге напи́сано мно́го ~ов** китоб ҳақида кўп тақризлар ёзилган; 6 *воен.* отзив (паролга бериладиган шартли яширин жавоб); **паро́ль и ~** пароль ва отзив.

ОТЗЫ́В *м по гл.* **отозва́ть — отзыва́ть; ~ посла́** элчини чақириб олиш.

ОТЗЫВА́ТЬ I *несов. см.* **отозва́ть.**

ОТЗЫВА́/ТЬ II, -а́ет *несов. чем разг.* ўхшаб кетмоқ, ҳидини бермоқ, ҳиди (мазаси, таъми ва ҳ. к.) келмоқ; **вода́ ~ет желе́зом** сувдан темир мазаси келади (келяпти).

ОТЗЫВА́ТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **отозва́ться;** 2 *страд. от* **отзыва́ть** I.

ОТЗЫВН/ОЙ, -а́я, -о́е *дипл.* чақириб олишга оид; чақириб олиш ҳақидаги; ~**ы́е гра́моты** чақириб олиш (қайтариш) ҳақидаги хат.

ОТЗЫ́ВЧИВ/ЫЙ, -ая, -ое 1 раҳмдил, кўнгилчан, куйинчак, дилдор, юмшоқ; мушфиқ; ~**ый челове́к** раҳмдил (кўнгилчан) одам; ~**ые роди́тели** мушфиқ ота-она; ~**ое се́рдце** юмшоқ кўнгил; 2 ҳозиржавоб, сезгир; ~**ая аудито́рия** ҳозиржавоб аудитория; сезгир аудитория.

ОТИРА́ТЬ *несов. см.* **отере́ть.**

ОТИРА́ТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **отере́ться;** 2 *страд. от* **отира́ть.**

ОТКА́З *м* 1 қайтариш, рад қилиш; рад жавоби; ~ **в и́ске** даъвони (даъвосини) рад қилиш; **получи́ть ~** рад жавоби олмоқ; **отве́тить ~ом** рад жавоби бермоқ; илтимосни (талабини ва ҳ. к.) қайтармоқ; 2 кўнмаслик, бош тортиш; ~ **подсуди́мого от да́чи показа́ний** судланувчининг кўрсатма беришдан бош тортиши; 3 воз кечиш, кечиш, тарк қилиш; ~ **от свои́х прав** ўз ҳуқуқидан воз кечиш; 4 инкор қилиш, қайтиш; тониш; ~ **от свои́х слов** ўз сўзидан тониш, сўзидан қайтиш, ўз айтганларини инкор қилиш; ✦ **без ~а (де́йствовать, рабо́тать)** тўхтамасдан (бузилмасдан, бетўхтов) ишламоқ (юрмоқ); **до ~а** имкон борича; сиққанича, лиқ-лиқ, лиммо-лим; лиқ тўла; **зал наби́т до ~а** зал лиқ тўла эди.

ОТКА́ЗА/ТЬ I, -кажу́, -ка́жешь *сов.* (*несов.* **отка́зывать** I) 1 *кому в чём* рад қилмоқ, қайтармоқ, рад жавоби бермоқ, йўқ демоқ; аямоқ, дариғ тутмоқ; ~**ть в про́сьбе** илтимосини қайтармоқ; ~**ть** *кому-л.* **в деньга́х** пул бермай қўймоқ, пул бермаслик; 2 *кому* таклифини рад қилмоқ, турмушга чиқишга рози бўлмаслик, кўнмаслик; **она́ ~ла вам?** у сиз таклифингизни рад қилдими?; 3 *кому в чём* маҳрум қилмоқ, воз кечмоқ; кечмоқ; ~**ть себе́ в са́мом необходи́мом** энг зарур нарсадан кечмоқ (ўзини маҳрум қилмоқ); 4 *перен. кому в чём* инкор этмоқ, тан олмаслик; **ему́ нельзя́ ~ть в тала́нте** унинг таланти ўйқ деб бўлмайди; унинг талантини тан олиш керак; 5 *кому от чего уст.* ишдан бўшатмоқ, бекор қилмоқ; **ему́ ~ли от до́лжности** уни вазифасидан озод қилишди (бўшатишди); 6 *разг.* тўхтаб қолмоқ, юрмай қолмоқ, ишламай қолмоқ (қўймоқ); **мото́р ~л** мотор тўхтаб қолди; ✦ **не отка́жи(те)** йўқ дема(нг); аяма(нг), дариғ тутма(нг); **не отка́жите в по́мощи** ёрдамингизни аяманг; ёрдамингиздан дариғ тутманг; ~**ть от до́ма** уйига киритмай қўймоқ (қабул қилмаслик).

ОТКА́ЗАТЬ II, -кажу́, -ка́жешь *сов.* (*несов.* **отка́зывать** II) *кого-что уст.* васият қилмоқ, васият қилиб қолдирмоқ, мерос қолдирмоқ; **[Ело́хов:] Она́ по завеща́нию мо́жет ~ своё име́ние кому́ уго́дно** (А. Островский) [Елохов:] У ўз ер-мулкини истаган кимсага васият қилиб қолдириши мумкин.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ОТКАЗА/ТЬСЯ, -кажу́сь, -ка́жешься *сов.* (*несов.* **отка́зываться** I) 1 *от чего* и *с неопр.* бош тортмоқ, бўйин товламоқ, қаршилик қилмоқ, унамаслик, кўнмаслик, рози бўлмаслик; **~ться вы́полнить про́сьбу** илтимосни бажаришдан бош тортмоқ; **он ~лся приня́ть нас** у бизни қабул қилишга унамади, у бизни қабул қилмади; **вы не отка́жетесь быть свиде́телем?** гувоҳ бўлишга розимисиз?; гувоҳ бўлишга қаршилигингиз йўқми?; 2 *от чего* қайтармоқ, кечмоқ, рад қилмоқ, воз кечмоқ, баҳридан ўтмоқ; **~ться от насле́дства** меросдан воз кечмоқ; **~ться от по́мощи** ёрдамни қайтармоқ; 3 *от кого* юз ўгирмоқ, кечмоқ, кечиб кетмоқ; 4 *от чего* қайтмоқ, рад қилмоқ, тонмоқ, тан олмаслик; **~ться от свои́х слов** ўз сўзидан қайтмоқ (тонмоқ); **~ться от неве́рных реше́ний** нотўғри ниятдан қайтмоқ; 5 тўхтамоқ, тўхтаб (юрмай) қолмоқ, ишдан чиқмоқ, бузилмоқ; **стано́к ~лся служи́ть** станок тўхтаб қолди; **но́ги ~лись мне служи́ть** оёқларим ишламай қолди; ✦ **не отка́жусь (не ~лся бы)** йўқ демайман (демас эдим); қаршилигим йўқ; **я не отка́жусь от ча́шки ча́я** бир пиёла чой бўлса, йўқ демас эдим.

ОТКА́ЗЫВАТЬ I *несов. см.* **отказа́ть** I.

ОТКА́ЗЫВАТЬ II *несов. см.* **отказа́ть** II.

ОТКА́ЗЫВАТЬСЯ I *несов.* 1 *см.* **отказа́ться**; 2 *прост.* тонмоқ, тан олмаслик, бўйнига олмаслик; **~ во всём** ҳаммасидан тонмоқ, ҳеч нарсани бўйнига олмаслик.

ОТКА́ЗЫВАТЬСЯ II, -ается *несов. страд. от* **отка́зывать** II.

ОТКА́ЛЫВАТЬ I *несов. см.* **отколо́ть** I.

ОТКА́ЛЫВАТЬ II *несов. см.* **отколо́ть** II.

ОТКА́ЛЫВАТЬСЯ I *несов.* 1 *см.* **отколо́ться** I; 2 *страд. от* **отка́лывать** I.

ОТКА́ЛЫВАТЬСЯ II, -ается *несов.* 1 *см.* **отколо́ться** II; 2 *страд. от* **отка́лывать** II.

ОТКА́ПЫВАНИЕ *с по гл.* **отка́пывать**; **~ из-под сне́га** қор остидан қазиб (ковлаб) олмоқ.

ОТКА́ПЫВАТЬ *несов. см.* **откопа́ть.**

ОТКА́ПЫВАТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **откопа́ться**; 2 *страд. от* **отка́пывать.**

ОТКА́РМЛИВАНИЕ *с по гл.* **отка́рмливать**; **~ свине́й** чўчқаларни боқиб семиртириш.

ОТКА́РМЛИВАТЬ *несов. см.* **откорми́ть.**

ОТКА́РМЛИВАТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **откорми́ться**; 2 *страд. от* **отка́рмливать.**

ОТКА́Т *м* 1 *по гл.* **откати́ть** и **откати́ться**; 2 *воен.* тепиш; **~ору́дия** тўпнинг тепиши (отганда орқага силташи).

ОТКА́ТА/ТЬ *сов.* 1 *что разг.* жўва (каток ва ш. к.) билан текисламоқ, текислаб қўймоқ (бўлмоқ); **~ть бельё** ювилган кийимларни (кирни) жўва билан текислаб бўлмоқ; 2 *прост.* тез юриб (босиб) ўтмоқ; **за час мы ~ли пять киломе́тров** бир соатда биз беш километр юриб қўйибмиз (босиб ўтибмиз); 3 *кого прост.* дўппосламоқ, уриб абжағини чиқармоқ

ОТКАТИ́ТЬ, -ачу́, -а́тишь *сов.* 1 (*несов.* **отка́тывать**) *что* юмалатиб (ғилдиратиб) олиб кетмоқ, юмалатиб (ғилдиратиб) сурмоқ, бирор жойга олиб бориб қўймоқ, олиб чиқмоқ; **~ вагоне́тку** вагонеткани ғилдиратиб олиб кетмоқ (олиб чиқмоқ); **~бревно́ к стене́** ходани думалатиб девор тагига олиб бориб қўймоқ; 2 *разг.* тезгина (тезда) жойдан жилмоқ, ҳайдаб (юргизиб) кетмоқ.

ОТКАТИ́/ТЬСЯ, -ачу́сь, -а́тишься *сов.* 1 (*несов.* **отка́тываться**) ғилдираб кетмоқ, думалаб кетмоқ, ғилдираб (думалаб) бир ергача бормоқ; **мяч ~лся за по́ле** коптоқ думалаб майдондан ташқарига чиқиб кетди; 2 сирғаниб (сирпаниб) бирор томонга кетмоқ, сирғаниб (сирпаниб) бирор ерга бормоқ (мас., конькида); 3 тез (шиддат, зудлик билан ёки тазйиқ остида, шошилинч равишда ва ҳ. к.) чекинмоқ, орқага қайтмоқ; **враг ~лся за ре́ку** душман зудлик билан (ёки тазйиқ остида) дарёнинг нариги томонига чекинди; **волна́ ~лась** тўлқин орқага қайтди.

ОТКА́ТКА *ж, р. мн.* **-ток** 1 *разг. по гл.* **откати́ть** и **откати́ться**; 2 *горн.* откатка (фойдали қазилмаларни кондан ташиб чиқариш, ташиш).

ОТКАТО́ЧНЫЙ, -ая, -ое *горн.* откаткага, ташиб чиқаришга оид; ташиб чиқарувчи; ташиб чиқариш...; откатка...; **~ ваго́н** ташиб чиқарувчи вагонча, **откатка вагончаси**; **~ штрек** откатка штреки, откатка қилиш учун қурилган штрек.

ОТКА́ТЧИК *м горн.* откатчик, откаткачи.

ОТКА́ТЧИЦА *ж см.* **отка́тчик.**

ОТКА́ТЫВАНИЕ *с по гл.* **отка́тывать** и **отка́тываться**; **~ вагоне́ток** вагонеткаларни ғилдиратиб (юргизиб) олиб кетиш, олиб чиқиш.

ОТКА́ТЫВАТЬ *несов. см.* **откати́ть** 1.

ОТКА́ТЫВАТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **откати́ться**; 2 *страд. от* **отка́тывать.**

ОТКА́ЧАТЬ *сов.* (*несов.* **отка́чивать**) 1 *что* насос билан тортмоқ, чиқармоқ, чиқариб ташламоқ (сув, ёғ, ҳаво ва ш. к. ни); **~ во́ду из подва́ла** подвалдан сувни насос билан тортиб чиқариб ташламоқ; **~ во́здух из ко́лбы** колбадаги ҳавони тортиб олмоқ, сўриб чиқариб ташламоқ; 2 *кого* силкитиб ҳушига (ўзига) келтирмоқ; **~ утопленника** чўккан одамни силкитиб ўзига келтирмоқ.

ОТКА́ЧИВАТЬ *несов. см.* **отка́чать.**

ОТКА́ЧНУ/ТЬ *сов. кого-что* 1 *разг.* қимирлатиб қўймоқ, туртиб қўймоқ; қимирлатиб (туртиб) ҳаракатга келтирмоқ; **~ть ма́ятник часо́в** соат маятнигини туртиб юргизиб қўймоқ (юбормоқ); 2 *перен. безл. прост.* ўзидан (ёки бирор нарсадан) қочирмоқ, узоқлаштирмоқ, чўчитмоқ, туртиб (итариб) юбормоқ; **его́ ~ло от пре́жних друзе́й** у эски ўртоқларидан узоқлашди.

ОТКА́ЧНУ/ТЬСЯ *сов.* 1 силкиниб жойидан қўзғалмоқ, оғмоқ, сурилиб кетмоқ; **ма́ятник ~лся** маятник силкиниб оғиб (ёки бурилиб) кетди; 2 ирғиб (сапчиб, отилиб) кетмоқ; **~ться к стене́** девор томонга отилиб кетмоқ; 3 *перен. прост.* чўчиб ўзини олиб қочмоқ, узоқлашмоқ, алоқани узмоқ;— **Я бою́сь, как бы остальны́е [каза́ки] от нас не ~лись** (Шолохов)—Мен бошқалар [қолган казаклар] биздан қочмаса, деб қўрқаман.

ОТКА́ШЛИВАТЬ *несов. см.* **отка́шлянуть** и **отка́шлять.**

ОТКА́ШЛИВАТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **отка́шлянуться** и **отка́шляться**; 2 *страд. от* **отка́шливать.**

ОТКА́ШЛЯНУТЬ *сов.* (*несов.* **отка́шливать**) *что* йўталиб туфлаб ташламоқ; йўталиб томоқни тозаламоқ.

ОТКА́ШЛЯНУТЬСЯ *сов.* (*несов.* **отка́шливаться**) йўталиб туфламоқ, йўталиб туфлаб ташламоқ, йўталиб томоқни тозалаб олмоқ.

ОТКА́ШЛЯТЬ *сов.* 1 *то же, что* **отка́шлянуть**; 2 йўталиб бўлмоқ, йўталдан тўхтамоқ.

ОТКА́ШЛЯТЬСЯ *сов.* 1 *то же, что* **отка́шлянуться**; 2 йўталиб олмоқ (қўймоқ), йўталиб томоқни очмоқ.

ОТКИДА́ТЬ *сов.* (*несов.* **отки́дывать**) *что* нарига отмоқ, отиб-отиб ташламоқ; **~ снег лопа́той** қорни курак билан отиб-отиб ташламоқ.

ОТКИДН/ОЙ, -а́я, -о́е қайтарма, кўтарма, қайтариб (кўтариб) қўйиладиган; **~о́е кре́сло** қайтарма кресло (самолёт, автобусларда); **коля́ска с ~ы́м ве́рхом** қайтарма соябонли коляска.

ОТКИДЫВАТЬ *несов. см.* **отки́нуть** и **откида́ть.**

ОТКИДЫВАТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **отки́нуться**; 2 *страд. от* **отки́дывать.**

ОТКИ́НУ/ТЬ *сов.* (*несов.* **отки́дывать**) 1 *кого-что* улоқтирмоқ, улоқтириб ташламоқ, отиб юбормоқ; **~ть ка́мень с доро́ги** йўлдаги тошни олиб ташламоқ; **волно́й ~ло его́ наза́д** тўлқин уни орқага отиб юборди; 2 *перен. что* ташламоқ, улоқтирмоқ, қўймоқ, миядан (хаёлдан) чиқариб юбормоқ; унутмоқ; **отки́нь все сомне́ния** шубҳаларингни қўй (ташла, унут); 3 *что разг.* ташлаб юбормоқ, ҳисобга олмаслик; **~ть копе́йки для кру́глого счёта** ҳисобни яхлитлаштириш учун тийинларни ташлаб юбормоқ (ҳисобга олмаслик); **округли́ть чи́сла, ~в дро́би** касрларни ташлаб, сонларни яхлитламоқ; 4 *что* кўтармоқ, олиб солмоқ; **~ть макаро́ны на дуршла́г** макаронни човлига кўтармоқ (олиб солмоқ, суви сирқиши учун); 5 *кого-что разг.* орқага қайтармоқ, улоқтириб ташламоқ, чекинтирмоқ; **~ть врага́** душманни улоқтириб ташламоқ, чекинишга мажбур қилмоқ; 6 *что* қайтармоқ, кўтариб қўймоқ, қайтариб (кўтариб) очмоқ; **~ть занаве́ску** пардани қайтармоқ, кўтариб қўймоқ; **~ть кры́шку роя́ля** роялнинг қопқоғини кўтариб (очиб) қўймоқ; **~ть во́лосы наза́д** сочларини орқага таш-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ламоқ; ~ть **воротни́к** ёқани қайтариб қўймоқ; **7** *что* ташламоқ, юбормоқ, қўймоқ (мас., бошни ёстиққа, қўлни ён томонга ва ҳ. к.).

ОТКИ́НУТЬСЯ *сов.* (*несов.* **отки́дываться**) **1** қайтарилмоқ, кўтарилмоқ, орқага ташланмоқ, қайтарилиб (кўтарилиб) очилмоқ; **2** ўзини орқага ташламоқ, суянмоқ, суяниб ўтирмоқ; ~**на спи́нку кре́сла** кресло орқасига суяниб ўтирмоқ (ўзини ташламоқ).

ОТКИ́ПАТЬ, -а́ет *несов. см.* **откипе́ть** 3.

ОТКИПЕ́ТЬ, -пи́т *сов.* **1** *разг.* қайнаб бўлмоқ, қайноғи ўчмоқ; **самова́р** ~**л** самовар қайнаб бўлди; самоварнинг қайноғи ўчди; **2** *перен.* сўнмоқ, совимоқ, босилмоқ, тинниб (тинчиб) қолмоқ, тўхтамоқ; **стра́сти** ~**ли** жўш-хуруж босилди (тинчиб қолди); **3** (*несов.* **откипа́ть**) *разг.* қайнаш натижасида ажралиб кўчиб чиқмоқ (кетмоқ), бўшаб чиқмоқ.

ОТКЛА́ДЫВАТЬ *несов. см.* **отложи́ть** 1—5.

ОТКЛА́ДЫВАТЬСЯ, -ается *несов.* **1** *см.* **отложи́ться** 1; **2** *страд. от* **откла́дывать**.

ОТКЛА́НИВАТЬСЯ *несов.* **1** *см.* **откла́няться** 1; **2** жавобан таъзим қилмоқ, эгилиб салом бермоқ; ~ **на приве́тствие** саломга алик олмоқ.

ОТКЛА́НЯТЬСЯ *сов.* **1** (*несов.* **откла́ниваться**) *уст.* хайрлашмоқ, хайр-хўш қилмоқ; **разреши́те** ~**!** кетишга рухсат берсангиз!; **2** *разг.* хайрлашиб бўлмоқ; салом (таъзим) қилиб бўлмоқ; таъзимдан қутулмоқ.

ОТКЛЕИ́ВАТЬ *несов. см.* **откле́ить**.

ОТКЛЕИ́ВАТЬСЯ, -ается *несов.* **1** *см.* **откле́иться**; **2** *страд. от* **откле́ивать**.

ОТКЛЕ́ИТЬ *сов.* (*несов.* **откле́ивать**) *что* кўчирмоқ, кўчириб олмоқ (елимланган, ёпиштирилган нарсани); ~ **ма́рку** маркани кўчириб олмоқ.

ОТКЛЕ́И/ТЬСЯ, -е́ится *сов.* (*несов.* **откле́иваться**) елими кўчмоқ, кўчиб кетмоқ, кўчиб тушмоқ; **обо́и** ~**лись** гулқоғозлар кўчиб кетибди.

ОТКЛИК *м* **1** жавоб (чақириққа, чақириқ овозига, мурожаатга); **на наш зов не после́довало** ~**а** чақирдик-чақирдик жавоб бўлмади, чақириғимизга ҳеч ким жавоб бермади; **2** акс садо; **вы́стрел вы́звал** ~ **в гора́х** тоғлардан ўқ овозининг акс садолари эшитилди; **3** *перен.* юракдаги (юракдан чиққан) акс садо, жавоб садоси, хайрихоҳлик ҳисси, ҳамдамлик (ҳамдардлик) муносабати; ачиниш, таассуф, қўллаб-қувватлаш; **пробуди́ть** ~ **в** *чьей-л.* **душе́** кимсанинг юрагида ачиниш ҳисси уйғотмоқ (ачинтирмоқ); **Бе́ды, кото́рые попада́лись ему́ [Л. Толсто́му] на глаза́, вызыва́ли в нём горя́чий сочу́вственный** ~ **и потре́бность сейча́с же вмеша́ться, де́йствовать** (Вересаев) Унинг [Л. Толстойнинг] кўзи тушган мусибатлар унда қаттиқ ачиниш ҳисси уйғотар ва дарҳол аралашишга, чора кўришга мажбур этар эди; **4** *мн.* ~**и** жамоатчиликнинг бирор нарсага жавобан ҳаракати, фикри ва ҳ. к.; ~**и в печа́ти на статью́ журнали́ста** журналистнинг мақоласи юзасидан матбуотда билдирилган фикрлар (ёзилган мақола ва ш. к.).

ОТКЛИКА́ТЬСЯ *несов. см.* **откли́кнуться**.

ОТКЛИ́КН/УТЬСЯ *сов.* (*несов.* **откликА́ться**) **1** жавоб (товуш) бермоқ, жавоб қайтармоқ, садо чиқармоқ; **никто́ не** ~**улся на зов** чақириғимизга ҳеч ким жавоб бермади; **где ты,** ~**ись!** қаердасан, жавоб бер!; **2** ўзи ҳақида хабар (дарак) бермоқ, бирор нарса билдирмоқ, хат-хабар қилмоқ; **3** *перен. на что* бирор иш, ҳаракат билан муносабат билдирмоқ, жавоб бермоқ; ~**уться на собы́тия** юз бераётган ҳодисаларга бирор иш, ҳаракат билан ўз муносабатини билдирмоқ; **4** *перен. на что* хайрихоҳлик кўрсатмоқ, раҳми келмоқ, ҳамдард бўлмоқ, ҳамдардлик билдирмоқ; ~**уться на про́сьбу** илтимосига жавоб бермоқ, илтимосини қондирмоқ; ~**уться на чужу́ю беду́** бировнинг дардига ҳамдард бўлмоқ (ачинмоқ).

ОТКЛОНЕ́НИ/Е *с* **1** *по гл.* **отклони́ть** и **отклони́ться**; ~**е ма́ятника** маятникнинг оғиши; маятникни оғдириш; ~**е предложе́ния** таклифни рад этиш; ~**е про́сьбы** илтимосни қайтариш (рад қилиш); ~**е в сто́рону** четга чиқиш; ~**е от ку́рса** курсдан (белгиланган йўлдан) оғиш, четга чиқиш (самолёт, кема ва ҳ. к. ҳақида); ~**е от те́мы** мавзудан четга чиқиш; **2** оғиш, четга чиқиш, фарқ; **допусти́мое** ~**е от но́рмы** нормадан йўл қўйилиши мумкин бўлган оғиш (четга чиқиш); **у́гол** ~**я** оғиш бурчаги.

ОТКЛОНИ́ТЬ, -оню́, -о́нишь *сов.* (*несов.* **отклоня́ть**) **1** *что* бирор томонга бурмоқ, оғдирмоқ, энгаштирмоқ; бириб (суриб) қўймоқ; ~ **ма́ятник** маятникни оғдирмоқ; ~ **ве́тку** новдани четга буриб қўймоқ; ~ **го́лову наза́д** бошни орқага тортмоқ; **2** *перен. кого* қайтармоқ, тўхтатмоқ, сақлаб қолмоқ; ~ **от реше́ния** қароридан (ниятидан, фикридан) қайтармоқ; ~ **от скоропали́тельного отве́та** шошқалоқлик билан жавоб беришдан тўхтатиб қолмоқ; **3** *перен. что* рад қилмоқ, қайтармоқ, қабул қилмаслик; ~ **прое́кт** проектни рад қилмоқ; **его́ про́сьба была́ отклонена́** унинг илтимоси қайтарилди.

ОТКЛОНИ/ТЬСЯ, -оню́сь, -о́нишься *сов.* (*несов.* **отклоня́ться**) **1** оғмоқ, энгашмоқ, қийшаймоқ, бурилмоқ, сурилмоқ; **ма́ятник** ~**лся вле́во** маятник чап томонга оғди; **2** ўзини бирор томонга олмоқ (тортмоқ), ўзини олиб қочмоқ, энгашмоқ, чап бермоқ; ~**ться от уда́ра** зарбадан ўзини четга олмоқ, чап бериб зарбадан қутулмоқ; **3** оғмоқ, четга чиқмоқ, бурилиб кетмоқ; **самолёт** ~**лся от за́данного ку́рса** самолёт курсдан (белгиланган йўлдан) четга чиқиб (бурилиб) кетди; **4** *перен.* четга чиқмоқ, чалғимоқ, бошқа томонга (нарсага) ўтиб кетмоқ; ~**ться от те́мы** мавзудан четга чиқмоқ.

ОТКЛОНЯ́ТЬ *несов. см.* **отклони́ть**.

ОТКЛОНЯ́ТЬСЯ *несов.* **1** *см.* **отклони́ться**; **2** *страд. от* **отклоня́ть**.

ОТКЛЮЧА́ТЬ *несов. см.* **отключи́ть**.

ОТКЛЮЧА́ТЬСЯ, -а́ется *несов.* **1** *см.* **отключи́ться**; **2** *страд. от* **отключа́ть**.

ОТКЛЮЧИ́ТЬ *сов.* (*несов.* **отключа́ть**) *что* узмоқ, узиб қўймоқ, тўхтатиб (бекитиб) қўймоқ; ~ **телефо́н** телефонни узиб қўймоқ; ~ **от се́ти** тармоқдан узиб қўймоқ; ~ **во́ду** сувни тўхтатиб (бекитиб) қўймоқ.

ОТКЛЮЧИ/ТЬСЯ, -и́тся *сов.* (*несов.* **отключа́ться**) **1** узилмоқ, узилиб қолмоқ; тўхтаб (бекилиб) қолмоқ; **телефо́н** ~**лся** телефон узилиб қолди; **свет** ~**лся** чироқ ўчиб қолди (ток узилиб, тўхтаб қолди); **2** *перен.* узилиб қолмоқ, четлашмоқ; йиғиштириб қўймоқ; ~**ться от повседне́вных забо́т** кундалик ташвишларни йиғиштириб (ўйламай) қўймоқ.

ОТКОВА́ТЬ, -кую́, -куёшь *сов. что* **1** (*несов.* **отко́вывать**) болғалаб ясамоқ; ~ **гвоздь** болғалаб мих ясамоқ; **2** (*несов.* **отко́вывать**) уриб (болғалаб) ажратиб олмоқ, олиб ташламоқ; ~ **подко́ву** тақани олиб ташламоқ; **3** болғалаб бўлмоқ; тақалаб бўлмоқ (қўймоқ).

ОТКОВА/ТЬСЯ, -куётся *сов.* (*несов.* **отко́вываться**) **1** болғаланиб ясалмоқ, тайёрланмоқ; **2** кўчмоқ, кўчиб кетмоқ, кўчиб тушмоқ (тақа, нағал ва ш. к. ҳақида); **подко́ва** ~**лась** тақа кўчиб кетди (тушди).

ОТКО́ВЫВАТЬ *несов. см.* **откова́ть** 1, 2.

ОТКО́ВЫВАТЬСЯ, -ается *несов.* **1** *см.* **откова́ться**; **2** *страд. от* **отко́вывать**.

ОТКОВЫ́РИВАТЬ *несов. см.* **отковыря́ть**.

ОТКОВЫРЯ́ТЬ *сов.* (*несов.* **отковы́ривать**) *разг.* ковлаб кўчирмоқ, тирнаб кўчирмоқ; ковлаб (тирнаб) кўчириб олмоқ; кўчириб туширмоқ; ~ **зама́зку** замазкани ковлаб кўчирмоқ (кўчириб туширмоқ).

ОТКОЗЫРЯ́ТЬ I *сов. разг.* козир ташламоқ, козир билан босмоқ (карта ўйинида).

ОТКОЗЫРЯ́ТЬ II *сов. разг.* ҳарбийча салом (честь) бермоқ; ~ **командо́ру** командирга честь бермоқ.

ОТКО́Л *м по гл.* **отколо́ть** I, 1 и **отколо́ться** I; ~ **льди́ны** муз парчасининг синиб кетиши (тушиши); ~ **от па́ртии** партиядан ажралиб чиқиш (узилиб қолиш).

ОТКОЛА́ЧИВАТЬ *несов. см.* **отколоти́ть**.

ОТКОЛОТИ́ТЬ, -очу́, -оти́шь *сов. разг.* **1** (*несов.* **отола́чивать**) *что* уриб кўчирмоқ, кўчириб олмоқ (қоқилган, михланган нарсани); ~ **доску** тахтани кўчириб олмоқ; **2** *кого* урмоқ, дўппосламоқ, калтакламоқ.

ОТКОЛО́ТЬ I *сов.* (*несов.* **отка́лывать** I) **1** *что* синдириб (ушатиб) олмоқ, синдириб туширмоқ, кўчириб юбормоқ; ~ **кусо́к го́рной поро́ды** тоғ жинсидан бир бўлак синдириб олмоқ; **отколи́те мне са́хару** қанддан (бир бўлак) **синдириб беринг**; **2** *перен. кого* **ажратмоқ, ажратиб қўй-**

www.ziyouz.com kutubxonasi

моқ, ажратиб юбормоқ, четлаштирмоқ, четлатмоқ, алоқасини узмоқ; ~ **от ста́и** тўдадан (подадан) ажратмоқ; ~ *кого-л.* **от дурно́й компа́нии** кимсани ёмон компаниядан четлатмоқ (ажратмоқ); 3 *что прост.* ғалати бир иш (қилиқ, ҳаракат, охон) қилмоқ, кутилмаган (қизиқ, ножўя) иш қилиб қўймоқ, қовун туширмоқ; ~ **словцо́** ғалати (ножўя, ўринсиз) гап гапириб қўймоқ; **ну и но́мер он отколо́л!** хўп номер кўрсатди-да!; 4 *что прост.* қотириб (дўндириб) ташламоқ, кийиб юбормоқ.

ОТКОЛ/ОТЬ II *сов.* (*несов.* **отка́лывать II**) қадаб (тўғнаб) қўйилган нарсани ажратиб (чиқариб, ечиб, бўшатиб) олмоқ, қўймоқ; ~**о́ть значо́к** значокни ажратиб (ечиб) қўймоқ; ~**и́те э́ту була́вку** бу тўғноғични ечиб олинг (қўйинг).

ОТКОЛО/ТЬСЯ I, -оло́сь, -о́лешься *сов.* 1 (*несов.* **отка́лываться I**) синиб тушмоқ, учиб кетмоқ; **край таре́лочки ~лся** тарелканинг чети синиб тушибди (учиб кетибди); **льди́на ~лась** муз парчаси синиб тушди; 2 *перен.* ажралмоқ, ажралиб қолмоқ, ажралиб кетмоқ, ажралиб чиқмоқ, алоқани узмоқ; ~**ться от друзе́й** ўртоқларидан ажралиб қолмоқ.

ОТКОЛО/ТЬСЯ II, -о́лется *сов.* (*несов.* **отка́лываться II**) ечилиб (бўшаб) кетмоқ, (қадалган, тўғналган нарса ҳақида); **у вас ~лась бро́шка** брошкангиз (тўғноғичингиз) бўшаб кетибди.

ОТКОЛОШМА́ТИТЬ, -а́чу, -а́тишь *сов. кого прост.* саваламоқ, калтакламоқ, дўппосламоқ, роса урмоқ.

ОТКОЛУПА́ТЬ *сов.* (*несов.* **отколу́пывать**) *что прост.* тирнаб кўчирмоқ, тозаламоқ; ковлаб туширмоқ; ~ **яи́чную скорлупу́** тухум пўчоғини кўчирмоқ (тозаламоқ); тухум арчмоқ.

ОТКОЛУПНУ́ТЬ *сов. однокр.* (*несов.* **отколу́пывать**) *что прост.* тирнаб (ёки ковлаб) кўчириб юбормоқ, тирнаб олмоқ (юбормоқ); ~ **боля́чку** ярани тирнаб кўчириб юбормоқ.

ОТКОЛУПЫВАТЬ *несов. см.* **отколупа́ть** и **отколупну́ть.**

ОТКОМАНДИРОВАТЬ, -ру́ю, -ру́ешь *сов.* (*несов.* **откомандиро́вывать**) *кого* 1 командировка қилмоқ, командировка қилиб юбормоқ, бошқа жойга ишга (ўқишга ва ҳ. к.) жўнатмоқ; ~ **в распоряже́ние шта́ба** штаб ихтиёрига юбормоқ; ~ **на ку́рсы** курсга юбормоқ; 2 *разг.* иш буюриб юбормоқ, жўнатмоқ, йўлламоқ; ~ *кого-л.* **в библиоте́ку** кимсани кутубхонага юбормоқ.

ОТКОМАНДИРОВЫВАТЬ *несов. см.* **откомандирова́ть.**

ОТКОМАНДОВА/ТЬ *сов. разг.* 1 бирор муддат командир бўлмоқ, командирлик қилмоқ; **мой оте́ц ~л пять лет в диви́зии** отам беш йил дивизияда командир бўлган (командирлик қилган); 2 командирлик қилиб бўлмоқ, командирликни йиғиштирмоқ (қўймоқ).

ОТКОНОПА́ТИТЬ, -а́чу, -а́тишь *сов.* (*несов.* **отконопа́чивать**) *что* 1 яхшилаб лосламоқ, лос (пахта, латта ва ш. к.) тиқиб бекитмоқ, бекитиб ташламоқ; ~ **ще́ли** тирқишларни яхшилаб лосламоқ; 2 лосларни олиб ташламоқ, тиқилган нарсаларни олиб ташлаб очмоқ; **о́кна пора́** ~ дераза тирқишларига тиқилган нарсаларни олиб ташлаш (дераза тирқишларини очиш) пайти келди.

ОТКОНОПА́ЧИВАТЬ *несов. см.* **отконопа́тить.**

ОТКОПА/ТЬ *сов.* (*несов.* **отка́пывать**) *кого-что* 1 ковлаб олмоқ, қазиб чиқариб олмоқ; ~**ть ко́рень** илдизни қазиб (чиқариб) олмоқ; ~**ть клад** дафинани ковлаб олмоқ; ~**ть засы́панных лави́ной** кўчки остида кўмилиб қолганларни ковлаб олмоқ; 2 *перен. разг.* қидириб топмоқ; ковлаштириб (титкилаб) топмоқ; ~**ть ре́дкую кни́гу** ноёб китоб топмоқ; **где вы ~ли таку́ю дико́вину?** бу ғалати нарсани қаердан топдингиз?

ОТКОПА́ТЬСЯ *сов.* (*несов.* **отка́пываться**) *разг.* ковлаб чиқмоқ, ковлаб чиқиб қутулмоқ.

ОТКОПКА *ж разг.* и *спец. по гл.* **откопа́ть;** ~ **пней** тўнкаларни қазиб (ковлаб) олиш, қудаков қилиш.

ОТКОРМ *м с.-х. по гл.* **откорми́ть;** ~ **свине́й** чўчқаларни бўрдоқига боқиш; **поста́вить теля́т на** ~ бузоқларни бўрдоқига қўймоқ.

ОТКОРМИТЬ, -ормлю́, -о́рмишь *сов.* (*несов.* **отка́рмливать**) *кого* боқиб семиртирмоқ, бўрдоқи қилмоқ; ~ **инде́ек** куркаларни боқиб семиртирмоқ; ~ **живо́тное на убо́й** ҳайвонни сўқимга боқмоқ.

ОТКОРМИ/ТЬСЯ, -ормлю́сь, -о́рмишься *сов.* (*несов.* **отка́рмливаться**) *разг.* яхши боқилиб семирмоқ, бўрдоқи бўлмоқ; **о́вцы хорошо́ ~лись за ле́то** ёз бўйи қўйлар яхши боқилди (семирди).

ОТКОРМЛЕНН/ЫЙ, -ая, -ое 1 *прич. от* **откорми́ть;** 2 *в знач. прил.* яхши боқилган, боқиб семиртирилган; бўрдоқи, семиз, миқти; ~**ая у́тка** боқиб семиртирилган ўрдак; ~**ая овца́** яхши боқилган қўй, бўрдоқи қўй; ~**ый ребёнок** яхши боқилган бола, миқти бола.

ОТКОРМОЧНЫЙ, -ая, -ое *с.-х.* семиртиришга, боқишга оид; моллар боқиб семиртириладиган, бўрдоқига боқиладиган; ~ **пункт** мол боқиб семиртириш пункти; бўрдоқига боқиш пункти.

ОТКОРРЕКТИРОВАТЬ *сов. что* 1 коррекцияламоқ, тўғриламоқ, тузатмоқ; ~ **траекто́рию полёта** учиш траекториясини коррекцияламоқ (тўғриламоқ); 2 *полигр.* тузатмоқ, тўғриламоқ, тузатиш киритмоқ; ~ **ру́копись** қўл ёзмани тузатмоқ.

ОТКО́С *м* 1 қиялик, ёнбағир; **берегово́й ~** қирғоқ қиялиги; ~ **горы́** тоғ ёнбағири; **подня́ться по ~у** қияликка чиқмоқ; қияликдан кўтарилмоқ; **спусти́ться по ~у** қияликдан (пастликка) тушмоқ; 2 йўл четидаги қиялик; **есте́ственный ~** йўл четидаги табиий қиялик; ~ **железнодоро́жного полотна́** темир йўл четидаги қиялик; **пусти́ть по́езд под ~** поездни қияликдан (қияликка) ағдариб юбормоқ; 3 *спец.* откос; **око́нные ~ы** дераза откослари; 4 *спец.* ҳовон.

ОТКОСИ́ТЬ, -ошу́, -о́сишь *сов.* 1 (*несов.* **отка́шивать**) 1 *что разг.* қўшиб ўрмоқ, ўрим-йиғим вақтида қўшиб олмоқ; 2 маълум вақт ўроқ ўрмоқ, ўроқчилик қилмоқ; 3 *что* и *без доп.* ўриб бўлмоқ, ўриб қўймоқ, ўрим-йиғимдан қутулмоқ.

ОТКОСИ́ТЬСЯ, -ошу́сь, -о́сишься *сов. разг.* ўриб бўлмоқ, ўрим-йиғимни тамомламоқ, ўрим-йиғимдан қутулмоқ.

ОТКО́СН/ЫЙ, -ая, -ое қия, қиялама, қия қилиб ишланган; ~**ая сто́йка** қия устун; ҳовон; ~**ая ли́ния** қия чизиқ.

ОТКОЧЕВА/ТЬ, -чу́ю, -чу́ешь *сов.* (*несов.* **откочёвывать**) 1 бошқа жойга кўчмоқ, кўчиб кетмоқ, кўчиб ўтмоқ; **цыга́не куда́-то ~ли** лўлилар қаергадир кўчиб кетишди (кетишибди); **Петро́вы ~ли в друго́й го́род** Петровлар оиласи бошқа шаҳарга кўчиб кетди (кетган); 2 бошқа жойга кетмоқ (ўтмоқ), жойини ўзгартирмоқ; **оле́ни ~ли в ту́ндру** кийиклар тундрага ўтиб кетган.

ОТКОЧЕ́ВКА *ж по гл.* **откочева́ть;** ~ **на ле́тние па́стбища** ёзги ўтлоқларга кўчиш; ~ **в друго́й колхо́з** бошқа колхозга ўтиб кетиш; ~ **бе́лок в глубь тайги́** тийинларнинг тайгага кўчиши.

ОТКОЧЁВЫВАТЬ *несов. см.* **откочева́ть.**

ОТКРАИВАТЬ *несов. см.* **открои́ть.**

ОТКРАХМА́ЛИВАТЬ *несов. см.* **открахма́лить.**

ОТКРАХМА́ЛИТЬ *сов.* (*несов.* **открахма́ливать**) 1 *что* яхшилаб крахмалламоқ, оҳорламоқ; ~ **руба́шку** кўйлакни яхшилаб крахмалламоқ; 2 крахмаллаб (оҳорлаб) бўлмоқ; крахмаллашдан қутулмоқ.

ОТКРЕПИ́ТЕЛЬНЫЙ, -ая, -ое ҳисобдан чиқиш...; рўйхатдан ўчиш...; ~ **тало́н** ҳисобдан чиқиш талони.

ОТКРЕПИ́ТЬ, -плю́, -пи́шь *сов.* (*несов.* **открепля́ть**) 1 *что* бўшатмоқ, ечмоқ, кўчирмоқ, бўшатиб (кўчириб) олмоқ, бўшатиб (ечиб) юбормоқ; ~ **до́ску** тахтани бўшатмоқ (кўчирмоқ); 2 *кого* ҳисобдан чиқармоқ, рўйхатдан ўчирмоқ.

ОТКРЕПИ/ТЬСЯ, -плю́сь, -пи́шься *сов.* (*несов.* **открепля́ться**) 1 *разг.* бўшамоқ, ечилмоқ; кўчмоқ; бўшаб (ечилиб) кетмоқ, кўчиб кетмоқ; **ло́дка ~лась** қайиқ бўшаб (ечилиб) кетди (кетибди); 2 ҳисобдан чиқмоқ, рўйхатдан ўчмоқ.

ОТКРЕПЛЕ́НИЕ *с по гл.* **открепи́ть** и **открепи́ться;** ~ **полово́ых досо́к** пол тахталарини кўчириш; **получи́ть ~** рўйхатдан (ҳисобдан) чиқиш; рўйхатдан (ҳисобдан) чиқариш.

ОТКРЕПЛЯ́ТЬ *несов. см.* **открепи́ть.**

ОТКРЕПЛЯ́ТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **открепи́ться;** 2 *страд. от* **открепля́ть.**

www.ziyouz.com kutubxonasi

ОТКРЕЩИВАТЬСЯ *несов. разг.* бош тортмоқ, бўйин товламоқ, бирор баҳона (важ) топиб қутулишга уринмоқ; **~ от зада́ния** топшириқдан бўйин товламоқ; **~ от навя́зчивого проси́теля** хира илтимосчидан қутулишга уринмоқ (қочиб қутулмоқ).

ОТКРОВЕ́НИЕ *с* 1 *рел. уст.* ваҳий; 2 кўзни очувчи янгилик, кутилмаган янгилик; **така́я постано́вка вопро́са была́ ~м для всех** масаланинг бундай қўйилиши ҳамма учун кутилмаган бир янгилик эди; 3 *уст.* очиқ (очиғини) айтиш, рўйирост гапириш; дилдагини (дил розини) айтиш; ечилиб гапириш, очиқ (рост, бор) гап; дил рози.

ОТКРОВЕННИЧА́ТЬ *несов. разг.* сирлашмоқ, кўнгилдагини яширмасдан гапирмоқ, очиқчасига гаплашмоқ, дилдагиларни ечилиб гапириб бермоқ, дил розини изҳор қилмоқ.

ОТКРОВЕ́ННО *нареч.* 1 кўнгилдагини яширмай, очиқчасига, очиқ-ойдин қилиб, самимий равишда; рўйирост, дангал; **~ высказаться** очиқдан-очиқ гапирмоқ, рўйирост айтмоқ; **~ говоря́** очиғини (ростини) айтганда, гапнинг рости, очиғи; **говори́те ~, не стесня́йтесь** уялмасдан (тортинмасдан) очиғини айтинг (яширманг); 2 ошкора, очиқдан-очиқ, очиқ-ойдин; **~ вражде́бный тон** очиқдан-очиқ ғаразли оҳанг.

ОТКРОВЕ́ННОСТЬ *ж* 1 кўнгли очиқлик, самимийлик, самимият; **~ призна́ния** иқрор бўлиб (эътироф қилиб) айтилган гапнинг самимийлиги; 2 кўнгилдаги гап, очиқ гап, рост (бор) гап; кўнгилдагини очиқ (ёрилиб) гапириб бериш; 3 ошкоралик, очиқ-ойдинлик; **~ вражды́** душманликнинг ошкоралиги (очиқ-ойдинлиги).

ОТКРОВЕ́ННЫЙ, -ая, -ое; -е́нен, -е́нна 1 кўнгилдагини яширмайдиган, кўнгли очиқ, самимий, очиқ; **~ый челове́к** кўнгли очиқ одам; **~ый ответ** самимий жавоб; **~ый разгово́р** очиқ гап; **~ое призна́ние** самимий иқрорлик, самимий айтиш, самимий иқрор бўлиш; 2 ошкора, очиқдан-очиқ, очиқ-ойдин, кўриниб турган; **~ая ложь** кўриниб турган ёлғон; **~ая насме́шка** очиқ-ойдин кулиш (мазах қилиш); 3 *разг.* ҳамма ёқ (бадан) очилиб (кўриниб) турадиган, беҳаё (либос ҳақида); **~ый костю́м** беҳаё костюм.

ОТКРОЙТЬ *сов.* (*несов.* **откра́ивать**) *что разг.* кесиб (қирқиб) ташламоқ (бичиш вақтида).

ОТКРОМСАТЬ *сов. что разг.* дуч келганча (апил-тапил, пала-партиш) кесмоқ, бурдаламоқ, кесиб (қирқиб, ушатиб) олмоқ; **~ кусо́к хле́ба** апил-тапил (дуч келган жойидан) бир бўлак нон кесиб олмоқ.

ОТКРУТИ́ТЬ, -учу́, -у́тишь *сов.* (*несов.* **откру́чивать**) *что разг.* 1 тескари бурамоқ, тескари бураб олмоқ (ёзмоқ); **~ ве́рёвку** арқонни тескари бураб ёзмоқ; 2 бураб чиқармоқ, бураб чиқариб олмоқ; **~ га́йку** гайкани бураб чиқармоқ; 3 бурайвериб узиб олмоқ, узмоқ; **~ пу́говицу** тугмачани бурайвериб узиб олмоқ.

ОТКРУТИ́/ТЬСЯ, -учу́сь, -у́тишься *сов.* (*несов.* **откру́чиваться**) 1 *разг.* тескари бураліб ёзилиб кетмоқ; **ве́рёвка ~лась** арқон (тескари бураліб) ёзилиб кетибди; 2 *разг.* бураліб бўшамоқ, чиқиб (бўшаб) кетмоқ; **винты сиде́нья ~лись** ўтирғичнинг винтлари бўшаб кетибди; 3 *перен. прост.* ўзини олиб қочмоқ, баҳона топиб қутулиб қолмоқ, қочиб қутулмоқ; **~ться от нежела́тельной командиро́вки** ҳушига ёқмаган командировкадан баҳона топиб қутулмоқ; **ему́ не удало́сь ~ться от поруче́ний** у топшириқдан қочиб қутулолмади.

ОТКРУ́ЧИВАТЬ *несов. см.* **открути́ть.**

ОТКРУ́ЧИВАТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **открути́ться;** 2 *страд. от* **откру́чивать.**

ОТКРЫВА́ЛКА *ж разг.* очқич; **~ для консе́рвов** консерва очқич.

ОТКРЫВА́ТЕЛ/Ь *м* очган (топган, кашф этган) киши, кошиф. кашфиётчи, очувчи; **~и но́вых земе́ль** янги ер очувчилар (кашфиётчилар).

ОТКРЫВА́ТЬ *несов. см.* **откры́ть.**

ОТКРЫВА́ТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **откры́ться;** 2 *страд. от* **открыва́ть.**

ОТКРЫ́ТИЕ *с* 1 *по гл.* **откры́ть; ~ па́мятника** ёдгорликни очиш; **торже́ственное ~ олимпиа́ды** олимпиаданинг тантанали очилиши; **~ Ташке́нтского метро́** Тошкент метросининг ишга тушиши (очилиши); **~ месторожде́ния** конни топиш (очиш); коннинг топилиши (очилиши); 2 кашфиёт, ихтиро; **~ в о́бласти я́дерной фи́зики** ядро физикаси соҳасидаги кашфиёт; **сде́лать ~** кашф қилмоқ, ихтиро қилмоқ; очмоқ, топмоқ; 3 *перен. ирон.* кутилмаган янгилик.

ОТКРЫТ/КА *ж, р. мн.* **-ток** открытка, очиқ хат (конвертсиз очиқ юбориладиган почта карточкаси); **почто́вая ~ка** почта открыткаси; **поздрави́тельная ~ка** табрик открыткаси; **альбо́м для ~ок** открыткалар учун альбом; открыткалар альбоми.

ОТКРЫТО *нареч.* яширмасдан (яширинмасдан); очиқ, очиқдан-очиқ, ошкора суратда, алайно ошкор, рўйирост; **~ высказаться** очиқдан-очиқ гапирмоқ, рўйирост айтмоқ (фикр билдирмоқ); **~ призна́ть свою́ вину́** ўз хатосини очиқдан-очиқ бўйнига олмоқ; **~ де́йствовать** очиқдан-очиқ ҳаракат қилмоқ, очиқчасига иш тутмоқ; **жить ~** кенг (очиқ дастурхон билан) яшамоқ; **ходи́ть ~, без паранджи́** паранжисиз, очиқ юрмоқ.

ОТКРЫТ/ЫЙ, -ая, -ое 1 *прич. от* **откры́ть;** 2 *в знач. прил.* очиқ, яланг; **~ое ме́сто** очиқ (яланг) жой; яланглик; **~ое мо́ре** очиқ денгиз; 3 *в знач. прил.* очиқ (ҳимоясиз) қолдирилган, очилиб қолган, очиқ; **~ый фланг** очилиб қолган (очиқ қолган) фланг; 4 *в знач. прил.* тепаси (ёки ёнлари) очиқ, соябонсиз, томсиз; **~ый автомоби́ль** очиқ автомобиль; соябонсиз машина; **~ая терра́са** очиқ айвон; 5 очиқ; яланғоч, кийимсиз, либоссиз, яланг; **~ые пле́чи** яланғоч (очиқ) елкалар; **~ый воротни́к** очиқ ёқа; **вы́йти с ~ой голово́й** бош яланг чиқмоқ; 6 *в знач. прил.* очиқ, ҳамма кира (иштирок эта) оладиган; **~ое заседа́ние** очиқ мажлис; **~ый суде́бный проце́сс** очиқ суд процесси; 7 *в знач. прил.* кўнгилдагини яширмайдиган, кўнгли очиқ, самимий, очиқ кўнгил; **~ый взгляд** самимий қараш; **~ый челове́к** кўнгли очиқ (очиқ кўнгил) одам; 8 *в знач. прил.* очиқ-ойдин кўриниб турган, очиқдан-очиқ, ошкора, алайно ошкор; **~ый проте́ст** очиқдан-очиқ норозилик; **~ая вражда́** очиқдан-очиқ душманлик (душманчилик); 9 *в знач. прил. горн.* очиқ, ер сиртидаги, очиқ ерда қилинадиган; **~ая вы́работка** очиқ кон қазилмалари; 10 *в знач. прил. мед.* аниқ, очиқ; **~ый перело́м** очиқ синган жой; **~ая фо́рма туберкулёза** сил касалининг очиқ формаси; ✦ **~ый вопро́с** ҳал бўлмаган (очиқ қолган) масала; **~ое голосова́ние** очиқ овоз бериш; **~ый го́род** очиқ шаҳар; **~ый лоб** кенг пешана; **~ое письмо́** 1) очиқ (конвертсиз) хат; 2) очиқ хат (матбуотда эълон қилинган хат, мурожаатнома); **~ый слог** *лингв.* очиқ бўғин; **в ~ую** яширмасдан, очиқ-ойдин; **очиқчасига**, рўйирост; **под ~ым не́бом** очиқ ҳавода; **спать под ~ым не́бом** очиқ ҳавода (яланг жойда) ухламоқ; **оста́ться под ~ым не́бом** бошпанасиз қолмоқ, уйсиз-жойсиз қолмоқ; **с ~ыми глаза́ми** очиқ кўз билан, онгли равишда; **с ~ым се́рдцем** чин юракдан, қалбдан, самимий равишда; **поли́тика ~ых двере́й** очиқ эшиклар сиёсати; **де́ло слу́шается при ~ых дверя́х** иш очиқ залда кўрилади (кўриляпти) (яъни унга истаган киши кира олади).

ОТКРЫТЬ, -ро́ю, -ро́ешь *сов.* (*несов.* **открыва́ть**) 1 *что* очмоқ; қопқоғини кўтармоқ (қайтармоқ); қопқоғини кўтариб (қайтариб) қўймоқ; **~ роя́ль** роялни очмоқ, роялнинг қопқоғини кўтариб қўймоқ; **~ кастрю́лю** кастрюлни очмоқ; 2 *что* ғозини очмоқ; қопқоғини (тиқинини, печатини ва ҳ. к.) олмоқ, чиқармоқ; **~ буты́лку вина́** (бир) бутилка вино очмоқ; **~ ба́нку консе́рвов** консерва банкасини очмоқ; 3 *перен. что* очмоқ, бўшатмоқ, очиб (бемалол қилиб) қўймоқ; **~ грани́цу** чегарани очмоқ; **~ доро́гу** йўл очмоқ, йўл очиб (имкон туғдириб) бермоқ; 4 *что* ёймоқ, ёзмоқ, очмоқ, очиб олмоқ; **~ зонт** зонт(ик)ни очмоқ (ёзмоқ); **~ кни́гу** китобни очмоқ; 5 *что* очмоқ, очиб юбормоқ, очиб қўймоқ; **~ воро́та** дарвозани очмоқ; **~ окно́** деразани очмоқ; **~ што́ры** пардаларни очиб қўймоқ; **~ дверь ключо́м** эшикни калит билан очмоқ; 6 *что* очмоқ, яланғочламоқ, кўринтирмоқ; **Шине́ль сползла́ с его́ плеча́, откры́в золоты́е галуны́** (Л. Н. Толстой) Шинель унинг елкасидан сирғаниб тушиб, зар уқалар очилиб (кўриниб) қолди; 7 *что разг.* очмоқ, очиб (қўйиб) юбормоқ; **~ во́ду** сувни очмоқ, сувни қўйиб юбормоқ; 8 *что* очмоқ, тузмоқ, ташкил қилмоқ, барпо этмоқ; **~ но́вую шко́лу** янги мактаб очмоқ; **~ музе́й** музей очмоқ, музей ташкил қилмоқ; 9 *что* очмоқ, бошламоқ; **~ собра́ние** мажлисни очмоқ; 10 *что* бошлаб бермоқ; **Вели́-**

www.ziyouz.com kutubxonasi

кий Октя́брь откры́л но́вую э́ру в исто́рии челове́чества Улуғ Октябрь инсоният тарихида янги даврни бошлаб берди; ~ **но́вый спорти́вный сезо́н** янги спорт мавсумини бошламоқ; 11 *что* очмоқ, аниқламоқ; ошкор қилмоқ, фош қилмоқ, очиб ташламоқ, маълум қилмоқ; ~ **та́йну** сирини айтмоқ, сирни очмоқ; сирини фош (ошкор) қилмоқ; 12 *кого-что* очмоқ, топмоқ, борлигини аниқламоқ, топиб олмоқ; ~ **молодо́е дарова́ние** ёш талантларни очмоқ (топмоқ, топиб олмоқ); ~ **спосо́бности** *в ком-л.* кимсанинг талантини (таланти борлигини) очмоқ; **среди́ уча́щихся учи́тель откры́л тала́нтливых матема́тиков** муаллим ўқувчилар орасида талантли математиклар борлигини аниқлади; 13 очмоқ, кашф қилмоқ, қидириб (тадқиқ қилиб) топмоқ; ~ **но́вое явле́ние** янги ҳодиса кашф этмоқ; **геоло́ги откры́ли но́вые месторожде́ния не́фти** геологлар янги нефть конларини очдилар (қидириб топдилар); ✦ ~ **Аме́рику** *ирон.* Америка очмоқ, маълум нарсани кашф қилмоқ, гўё янгилик очмоқ; ~ **се́рдце** *кому* юракдаги гапларни сўзламоқ, сирини айтмоқ, ёрилмоқ, ёрилиб гапирмоқ; ~ **глаза́** кўзини очмоқ; кўзи очилмоқ; ~ **рот** *см.* **рот**; ~ **счёт** 1) *фин. бухг.* счёт очмоқ; 2) *спорт.* ҳисобни очмоқ (дастлабки ютуқни қўлга киритмоқ); ~ **ка́рты** 1) карталарини очиб ташламоқ; 2) сирини (ниятини, планини ва ҳ. к.) очмоқ.

ОТКРЫ/ТЬСЯ, **-ро́юсь**, **-ро́ешься** *сов.* (*несов.* **открыва́ться**) 1 очилмоқ; **дверь ~лась** эшик очилди; **я́щик не ~лся** яшик очилмади; 2 *перен.* очилмоқ, кулиб боқмоқ, қўлга киradиган бўлмоқ; **перед ю́ношей ~лись блестя́щие перспекти́вы** ўспирин олдида порлоқ истиқбол очилди (кулиб боқди); 3 очилмоқ, ёзилмоқ, ёйилмоқ; **зо́нтик ~лся** зонтик очилди (очилиб кетди); 4 кўринмоқ, кўзга ташланмоқ, кўз олдида (ўнгида) намоён бўлмоқ; чиқмоқ; **перед путеше́ственниками ~лся вид на о́зеро** саёҳатчиларнинг кўз олдида кўл манзараси намоён бўлди; **под сло́ем штука́турки ~лась фре́ска** сувоқ тагидан фреска кўриниб (чиқиб) қолди; 5 *перен.* англашилмоқ, очилмоқ, аён (маълум) бўлмоқ, тушунарли бўлиб қолмоқ; **ему́ ~лась и́стина** унга ҳақиқат маълум (аён) бўлди; **~лось его́ настоя́щее лицо́** унинг ҳақиқий башараси маълум бўлди (очилди); 6 *перен.* очилмоқ, ошкор (фош) бўлмоқ; **обма́н бы́стро ~лся** ёлғон тезда фош бўлди; 7 очилмоқ, ишлай бошламоқ; **в го́роде ~лся но́вый теа́тр** шаҳарда янги театр очилди; **~лись пионе́рские лагеря́** пионер лагерлари очилди (иш бошлади); 8 бошланмоқ, бошланиб кетмоқ; **~лась навига́ция** навигация бошланди; **~лась диску́ссия** мунозара бошланди (бошланиб кетди); 9 дилидагини очиқ гапирмоқ, сирини (дил розини) айтмоқ, ёрилмоқ, ёрилиб гапирмоқ; **~ться дру́гу** дўстига ёрилмоқ, дўстига ҳамма гапни (сирни) айтиб бермоқ; 10 янгиланмоқ, қайтадан очилмоқ (яра ҳақида); **ра́на сно́ва ~лась** яра яна (қайталади) янгиланди, очилиб кетди; ✦ **глаза́ ~лись** *у кого* кўзи (кўзимиз, кўзлари) очилди.

ОТКУ́ДА *нареч.* 1 *вопросит.* қаёқдан, қаердан, қайдан; ~ **он ро́дом?** у қайси жойдан?; у қаерда туғилган?; ~ **ты э́то узна́л?** сен буни қаердан билдинг?; ~ **э́ти фру́кты?** бу мевалар қаердан (келган, келтирилган)?; ~ **говори́те?** қаердан гапиряпсиз? (телефонда бериладиган савол); 2 *вопросит. прост.* қаердан, қаёқдан, қанақа (қандай) қилиб; қанақасига; **э́то мои́ кни́га!— Да ~ она́ твоя́?** бу китоб меники!— Қанақа қилиб (қанақасига) у сеники бўлади?; ~ **ты э́то вы́думал?** бу гапни қаёқдан топдинг?; ~ **у него́ уму́ взя́ться?** унда ақл нима қилади (қилсин)?; 3 *относит.* ...тарафдан, ...томондан; **он пошёл в парк, ~ доноси́лись зву́ки му́зыки** у музика садолари келиб турган паркка қараб кетди (у паркка қараб кетди, у ёқдан музика садолари келарди); ~ **бы он ни появи́лся...** у қаердан пайдо бўлмасин,....

ОТКУ́ДА-ЛИБО *нареч. то же, что* **отку́да-нибу́дь.**

ОТКУ́ДА-НИБУДЬ *нареч.* бирон ердан, бирор жойдан, бирор ёқдан; қаердандир, қаердан бўлмасин; **посмотри́ на о́зеро ~ с высоты́** бирор баландликдан кўлга қара-чи; **на́до доста́ть ~ э́ту кни́гу** бу китобни қаердан бўлмасин топиш керак.

ОТКУ́ДА-ТО *нареч.* қаердандир, аллақаердан; ~ **слы́шался шум** аллақаердан шовқин эшитиларди; **он доста́л ~ стари́нные часы́** у қаердандир алмисоқдан қолган соат топиб келди.

ОТКУП *м, мн.* **-а́** 1 *ист.* откуп, ижара (чор Россиясида: аҳолидан бирор турдаги йиғим ёки солиқ ундириш ҳуқуқини ҳукуматдан сотиб олиш ва сотиб олинган шундай ҳуқуқ); 2 музд, бадал; ✦ **брать (взять) на ~** откуп тариқасида сотиб олмоқ, ижарага олмоқ; **отда́ть на ~** бутунлай топшириб қўймоқ, ихтиёрига бериб қўймоқ.

ОТКУПА́ТЬ *несов. см.* **откупи́ть.**

ОТКУПА́ТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **откупи́ться**; 2 *страд. от* **откупа́ть.**

ОТКУПИ́/ТЬ, **-уплю́**, **-у́пишь** *сов.* (*несов.* **откупа́ть**) *уст.* 1 *что* ҳаммасини сотиб олмоқ, улгуржи (кўтарасига) сотиб олмоқ, таг-туги билан сотиб олмоқ; ~**ть весь улов ры́бы** овланган балиқнинг ҳаммасини сотиб олмоқ; 2 *что* откуп тариқасида сотиб олмоқ, ижарага олмоқ;— **По пути́ я ~л два соляны́х о́зера** (Мамин-Сибиряк) Йўлакай мен иккита шўр кўлни ижарага олдим; 3 *кого* пул бериб (музд тўлаб) қутқармоқ, пул (пора) бериб озод қилмоқ; **Посади́л оказённый прика́зчик Антона Тимофе́ева в желе́зы, а стари́к Тимофе́й сы́на ~л за 100 р.** (Пушкин) Бадбахт приказчик Тимофеев Антонни занжирга солиб қўйган эди, қария Тимофей 100 сўм тўлаб ўғлини қутқариб олди.

ОТКУПИ́ТЬСЯ, **-уплю́сь**, **-у́пишься** *сов.* (*несов.* **откупа́ться**) *уст.* пул бериб (музд тўлаб) озод бўлмоқ; пул (пора) бериб қутулмоқ; ~ **от ра́бства** пул (музд) тўлаб қулликдан озод бўлмоқ; ~**от пови́нности** пул (пора) бериб мажбуриятдан қутулмоқ;— **...отчего́ ты не отку́пишься от своего́ ба́рина?** (Тургенев)— Нима учун сен пул-мул гўлаб хўжайинингдан қутулиб қўя қолмайсан?

ОТКУПН/О́Й, **-а́я**, **-о́е** *ист.* откупга оид; откуп (ижара) асосидаги; откуп...; ижара...; ~**а́я систе́ма** откуп (ижара) системаси.

ОТКУ́ПОРИВАНИЕ *с по гл* **отку́поривать**; ~ **буты́лки** шишани очиш.

ОТКУ́ПОРИВАТЬ *несов. см.* **отку́порить.**

ОТКУ́ПОРИТЬ *сов.* (*несов.* **отку́поривать**) *что* очмоқ, оғзини (тиқинини, қопқоғини) очмоқ, пробкасини чиқариб олмоқ; ~ **буты́лку** шишани очмоқ; ~ **ба́нку консе́рвов** консерва банкасини очмоқ.

ОТКУ́ПОРИ/ТЬСЯ, **-ится** *сов.* очилмоқ, тиқини, қопқоғи чиқиб кетмоқ; **ба́нка ~лась** банка очилиб кетди (кетибди).

ОТКУ́ПОРКА *ж по гл* **отку́порить — отку́поривать**; ~ **ба́нок** банкаларни очиш.

ОТКУПЩИ́К *м, р.* **-а́** *ист.* откуп тариқасида сотиб олган киши, ижарадор.

ОТКУСИ́ТЬ, **-ушу́**, **-у́сишь** *сов.* (*несов.* **отку́сывать**) *что* и *чего* 1 тишлаб олмоқ; тишлаб узиб (синдириб) олмоқ; ~ **хле́ба** бир тишлам нон тишлаб олмоқ; ~ **кусо́чек са́хара** тишлаб бир бўлак қанд синдириб олмоқ; 2 кесиб (қирқиб, узиб) олмоқ (омбир ва ш. к. билан); ~ **про́волоку клеща́ми** симни омбир билан кесиб (қирқиб) олмоқ.

ОТКУ́СЫВАТЬ *несов. см.* **откуси́ть.**

ОТКУША/ТЬ *сов.* 1 *прост.* овқатни еб бўлмоқ, овқатланиб бўлмоқ; 2 *уст. что, чего* и *без доп.* кимсаникида овқатланмоқ, емоқ-ичмоқ, еб-ичиб олмоқ, меҳмон бўлмоқ; ~**йте с на́ми** биз билан бирга овқатланиб олинг, дастурхонга марҳамат қилинг; 3 *уст. что* тотиб кўрмоқ, еб кўрмоқ, емоқ.

ОТЛА́ВИРОВАТЬ *сов. мор.* шамолга чап бериб жойидан жилмоқ, йўлга тушмоқ (елканли кема, қайиқ ҳақида).

ОТЛА́ВЛИВАНИЕ *с по гл* **отла́вливать** 2; ~ **птиц для кольцева́ния** ҳалқалаш учун қушларни тутиш.

ОТЛА́ВЛИВАТЬ *несов. см.* **отлови́ть** 2.

ОТЛАГАТЕЛЬСТВ/О *с* кечиктириш, чўзиш, орқага силташ, кейинга қолдириш, судраш, пайсалга солиш; **э́то де́ло не те́рпит** ~а бу ишни кечиктириб бўлмайди.

ОТЛАГА́ТЬ *несов. см.* **отложи́ть** 3, 6.

ОТЛАГА́ТЬСЯ, **-а́ется** *несов.* 1 *см.* **отложи́ться**; 2 *страд. от* **отлага́ть.**

ОТЛАДИТЬ, **-а́жу**, **-а́дишь** *сов.* (*несов.* **отла́живать**) *что тех.* тузатмоқ, тўғриламоқ, созламоқ; тузатиб (тўғрилаб, созлаб) қўймоқ; тузатиб (тўғрилаб, созлаб) бермоқ (олмоқ); ~ **стано́к** станокни тузатиб (созлаб) қўймоқ.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ОТЛА́ДКА *ж тех. по гл.* **отла́дить;** ~ **автома́та** автоматни созлаш.

ОТЛА́ЖИВАТЬ *несов. см.* **отла́дить.**

ОТЛАКИ́РОВАТЬ, -ру́ю, -ру́ешь *сов. что* локламоқ; лок билан пардозламоқ, локлаб ялтиратмоқ; ~ **шкату́лку** қутичани локламоқ; ~ **боти́нки** ботинкани локламоқ.

ОТЛА́МЫВАТЬ *несов. см.* **отлома́ть** и **отломи́ть.**

ОТЛА́МЫВАТЬСЯ, -ается *несов.* 1 *см.* **отлома́ться** и **отломи́ться;** 2 *страд. от* **отла́мывать.**

ОТЛЕГА́ТЬ, -а́ет *несов. см.* **отле́чь.**

ОТЛЕ́ЖА/ТЬ *сов.* 1 (*несов.* **отлёживать**) *что* ноқулай ёки узоқ ўтириб (ётиб) увуштирмоқ; **я ~л себе́ ру́ку** ўтираверіб (ётаверіб) қўлларим увушиб қолди (қолибди); 2 маълум муддат касалланиб ётмоқ, ётиб турмоқ, ётиб чиқмоқ; **он ме́сяц ~л в больни́це** у бир ой касалхонада ётиб чиқди.

ОТЛЕ́ЖА/ТЬСЯ *сов.* (*несов.* **отлёживаться**) *разг.* 1 ётиб дам (ором) олмоқ, ўзига келмоқ, роҳат қилмоқ; **вы уста́ли — вам надо́ ~ться** сиз чарчагандингиз — ётиб дам олишингиз керак; 2 туриб (ётиб) етилмоқ; **я́блоки хорошо́ ~лись** олма ётиб яхши етилибди.

ОТЛЕ́ЖИВАТЬ *несов см.* **отлежа́ть.**

ОТЛЕ́ЖИВАТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **отлежа́ться;** 2 ётиб бирор нарса (ёки пайт) кутмоқ...; ётиб бирор вақт ўтқазмоқ.

ОТЛЕПИ́ТЬ, -еплю́, -е́пишь *сов.* (*несов.* **отлепля́ть**) *что разг.* кўчирмоқ, кўчириб олмоқ (елимланган, ёпиштирилган нарсани); ~ **пла́стырь** пластирни кўчириб олмоқ.

ОТЛЕПИ́/ТЬСЯ, -е́пится *сов.* (*несов.* **отлепля́ться**) *разг.* кўчмоқ, кўчиб кетмоқ (чиқмоқ); **ма́рка ~лась** марка кўчиб кетибди.

ОТЛЕПЛЯ́ТЬ *несов. см.* **отлепи́ть.**

ОТЛЕПЛЯ́ТЬСЯ, -я́ется *несов.* 1 *см.* **отлепи́ться;** 2 *страд. от* **отлепля́ть.**

ОТЛЕ́Т *м по гл.* **отлете́ть** 1; ~ **самолёта** самолётнинг учиши (жўнаши); **начался́ ~ пти́ц** қушларнинг учиб кетиши бошланди; қушлар учиб кета бошлади; ✦ **на ~е** бир чеккада, нарида, овлоқда; **их дом стои́т на ~е** уларнинг уйи бир чеккада (овлоқда); **держа́ть на ~е (на ~)** *что* қўлни чўзиб (ушлаб турган нарсасини) нариоқ тутмоқ; **па́ра на ~е** (или **с ~ом**); **па́ра с пристяжно́й на ~е** *уст.* бири аравага (извошга) қўшилган, бошқаси шатакчи бир жуфт от.

ОТЛЕТА́ТЬ I *несов. см.* **отлете́ть.**

ОТЛЕТА́/ТЬ II *сов.* 1 учиб бўлмоқ; учишни тамом (бас) қилмоқ, тўхтатмоқ; 2 *разг.* маълум вақт учувчилик қилмоқ; **он ~л пятна́дцать лет** у ўн беш йил учувчилик қилди.

ОТЛЕТА́ТЬСЯ *сов. то же, что* **отлета́ть** II, 1.

ОТЛЕТЕ́/ТЬ *сов* (*несов.* **отлета́ть** I) 1 учиб кетмоқ, жўнамоқ; **пти́цы ~ли** қушлар учиб кетишди; **самолёт ~л** самолёт учиб (жўнаб) кетди; **тури́сты ~ли вечёрним** самолётом туристлар кечки самолёт билан учиб кетишди; 2 *перен.* йўқолмоқ, юракдан чиқмоқ (кўтарилмоқ); ўчмоқ, ўчиб кетмоқ; **гру́стные мы́сли ~ли** қайғули хаёллар йўқолди (ўчиб кетди); 3 учиб узоқлашмоқ; **самолёт ~л от го́рода на две́сти киломе́тров** самолёт шаҳардан икки юз километр узоқлашди; 4 сакраб кетмоқ, ирғиб кетмоқ; **мяч ~л от шта́нги** копток штангага тегиб учиб (қайтиб) кетди; 5 *разг.* узилиб кетмоқ, кўчиб кетмоқ; узилиб (ёки кўчиб) тушмоқ; **у вас пу́говица ~ла** тугмачангиз узилиб кетибди; **подо́шва ~ла** тагчарм кўчиб тушди (тушибди).

ОТЛЕ́ЧЬ, -ля́жет; -лёг, -легло́ *сов.* (*несов.* **отлега́ть**) кўнгилдан (юракдан) чиқмоқ, енгил тортмоқ, енгиллашмоқ, тинчимоқ, таскин топмоқ; **у меня́ отлегло́ от се́рдца (от души́)** кўнгилдан (юракдан) чиқиб кетди.

ОТЛИ́В *м* 1 *по гл.* **отли́ть** 1—3, 5; ~ **дета́лей** деталларни қуйиш, қуйиб деталлар тайёрлаш; 2 орқага қайтиш (кўвнинг, тўлқиннинг); **прили́в и ~** сувнинг (тўлқиннинг) бостириб келиши ва қайтиши; **начался́ ~** сув (тўлқин) қайта бошлади; 3 товланиш, турланиш, тусланиш; **си́ний шёлк с золоти́стым ~ом** олтиндек товланиб турадиган кўк шойи; 4 *перен.* пасайиш, сусайиш; камайиш, қайтиш; инқироз; **прили́вы и ~ы революцио́нного движе́ния** революцион ҳаракатнинг кучайиш ва сусайишлари.

ОТЛИВА́ТЬ *несов.* 1 *см.* **отли́ть;** 2 *чем* товланмоқ, турланмоқ, тусланмоқ; ~ **все́ми цвета́ми ра́дуги** камалак рангида товланиш; ранг-баранг товланиш.

ОТЛИВА́ТЬСЯ, -а́ется *несов.* 1 *см.* **отли́ться;** 2 *чем* товланмоқ, турланмоқ, тусланмоқ; 3 *страд. от* **отлива́ть** *см.* **отли́ть** 1, 2, 4, 5.

ОТЛИ́ВКА *ж, р. мн.* **-вок** 1 *по гл.* **отли́ть** 2, 5; ~ **воды́ из котлова́на** котловандаги сувни чиқариб ташлаш; ~ **дета́лей** деталлар қуйиш; ~ **под давле́нием** босим билан (босим остида) қуйиш; 2 *тех.* қуйма, қуйиб ясалган буюм; **пусто́телая ~** ичи ковак қуйма; **стальна́я ~** пўлатдан қуйиб ясалган нарса; пўлат қуйма.

ОТЛИВН/О́Й, -а́я, -о́е *спец.* сув чиқадиган (чиқариладиган, бўшатиладиган); партов сув ташланадиган; ~**ые воро́та шлю́за** шлюзнинг сув чиқариладиган дарвозаси.

ОТЛИВН/ЫЙ, -ая, -ое сувнинг (тўлқиннинг) қайтишига, пасайишига оид; ~**ое тече́ние** сув қайтиши оқими.

ОТЛИПА́ТЬ *несов. см.* **отли́пнуть.**

ОТЛИ́П/НУТЬ, -ну, -нешь; -и́п, -и́пла *сов.* (*несов.* **отлипа́ть**) 1 кўчмоқ, кўчиб кетмоқ; елими кўчмоқ; **бинт ~** бинт кўчиб кетди; 2 *перен. прост.* шилқимликни қўймоқ, ёпишмай (хира бўлавермай) тинч қўймоқ.

ОТЛИ́ТЬ, отолью́, отольёшь *сов.* (*несов.* **отлива́ть**) 1 *что* и *чего* қуймоқ, қуйиб олмоқ, қуйиб бермоқ; **отле́йте мне два ли́тра молока́** менга сутдан икки литр қуйиб беринг; 2 *что* тортиб чиқармоқ; чиқариб юбормоқ, чиқариб ташламоқ; ~ **во́ду из ло́дки** қайиқдаги сувни тортиб олмоқ (чиқариб ташламоқ); 3 қайтмоқ (сув, тўлқин ҳақида); қочмоқ (қон ҳақида); **во́лны отли́ли** тўлқин қайтди; **кровь отлила́ от лица́** юзидан қони қочди, юзи оқариб кетди; 4 *кого разг.* сув сепиб ўзига (ҳушига) келтирмоқ; 5 *что тех.* қуймоқ, қуйиб тайёрламоқ; ~ **па́мятник из бро́нзы** бронзадан ҳайкал қуймоқ; ~ **чугу́н** чўян қуймоқ.

ОТЛИ́ТЬСЯ, отолью́тся *сов.* (*несов.* **отлива́ться**) 1 қуйилмоқ; **дета́ль хорошо́ отлила́сь** деталь яхши қуйилди (қуйилибди); 2 *перен. во что* шаклланмоқ, бирор шаклга кирмоқ, бирор шакл (тус) олмоқ; ✦ **отолью́тся во́лку ове́чьи (или ко́шке мы́шкины) слёзки; отолью́тся чьи слёзы (слёзки)** *кому* қўйнинг кўз ёшлари бўрини омон қўймади, қўйни бўзлатган бўри жазосини тортади; ёмон қилмишига яраша жазоланади.

ОТЛИЧА/ТЬ *несов.* 1 *см.* **отличи́ть;** 2 *кого-что* бошқалардан ажратиб турмоқ, фарқламоқ, айирмоқ; **что ~ет их?** уларни бир-биридан нима ажратиб (фарқлаб) туради?; улар бир-биридан нима билан фарқланади?; 3 *кого-что* афзал (ортиқ) кўрмоқ, юқори қўймоқ; бошқача қарамоқ.

ОТЛИЧА/ТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **отличи́ться;** 2 *чем* и *без доп.* ажралиб турмоқ; фарқ қилмоқ; **де́вочка ~ется от свои́х све́рстниц** қиз тенгдошлари ичида ажралиб туради (фарқ қилади); **он ничём не ~ется от други́х** у бошқалардан ҳеч фарқ қилмайди; унинг бошқалардан ҳеч ортиқ жойи йўқ; 3 *чем* характерламоқ, бирор хусусияти билан ажралиб турмоқ; **он ~ется исключи́тельным прилежа́нием** у ўзининг тиришқоқлиги билан ажралиб туради; 4 *страд. от* **отлича́ть** 1.

ОТЛИ́ЧИ/Е *с* 1 фарқ, тафовут, айирма; **ме́жду ни́ми суще́ственные ~я** улар орасида муҳим тафовутлар бор; 2 тақдирга сазовор хизмат; **повы́сить в чи́не за боевы́е ~я** жанговар хизматлари учун даражасини оширмоқ; 3 мукофот, орден; **зна́ки ~я** орденлар, медаллар; ✦ **в ~е** *от кого-чего* ...дан фарқли равишда; ...дан, фарқли ўлароқ; **дипло́м с ~ем** имтиёзли диплом.

ОТЛИЧИ́ТЕЛЬНЫ/Й, -ая, -ое 1 бошқалардан ажратиб (фарқлаб) турадиган, тафовут қиладиган, фарқловчи; ~**й при́знак** ажратиб турадиган (фарқлайдиган) белгилар; ~**е сво́йства** бошқалардан ажратиб (фарқлаб) турадиган хусусиятлар; ўзига хос хусусиятлар; 2 танитувчи, ажратувчи, таниқли; танитиш...; ~**е зна́ки на пого́нах** погонлардаги фарқловчи белгилар.

ОТЛИЧИ́ТЬ *сов.* (*несов.* **отлича́ть**) *кого-что* 1 ажратмоқ, фарқ қилмоқ; фарқига бормоқ, танимоқ; **вас невозмо́жно ~ друг от дру́га** сизларни бир-бирингиздан ажратиб бўлмайди; ~ **пра́вду от лжи** ҳақиқатни ёлғондан ажрата билмоқ, ҳақиқат билан ёлғоннинг фарқига бормоқ; 2 мукофот (орден ва ш. к. билан) тақдирламоқ, **тақдирлаб кўр-**

www.ziyouz.com kutubxonasi

сатмоқ; ~ **завóд óрденом** заводни орден билан тақдирламоқ.

ОТЛИЧИ́ТЬСЯ *сов.* (*несов.* **отлича́ться**) бирор намунали иш қилиб ўзини кўрсатмоқ, бирор хусусияти билан бошқалардан ажралмоқ; ~ **в бою́** жангда ўзини кўрсатмоқ; ~ **на экза́менах** имтиҳонда ўзини кўрсатмоқ, билимини намоён қилмоқ.

ОТЛИ́ЧНИК *м* 1 аълочи (аъло баҳолар билан ўқувчи); 2 аълочи ишчи, хизматчи (энг юқори кўрсаткичлар билан ишловчи илғор ходим); ~ **произво́дства** ишлаб чиқариш аълочиси; ~ **боево́й и полити́ческой подгото́вки** жанговар ва сиёсий тайёргарлик аълочиси.

ОТЛИ́ЧНИЦА *ж см.* **отли́чник** 1.

ОТЛИ́ЧНО *нареч.* 1 аъло баҳолар билан; ~ **учи́ться** аъло баҳолар билан (баҳолар олиб) ўқимоқ; 2 аъло даражада, жуда яхши, аъло; ~ **отдохну́ть** жуда яхши дам олмоқ; ~ **вы́полнить рабо́ту** ишни аъло даражада (жуда яхши) бажармоқ; **чу́вствовать себя́** ~ ўзини жуда яхши ҳис қилмоқ; **3** *в знач. сказ.* жуда яхши, жуда соз; **здесь** ~ бу ер жуда соз экан; бу ер жуда яхши экан; **4** *в знач утв. частицы* жуда яхши, жуда соз; хўп, майли, бўпти; **ну и** ~**, пусть отдыха́ет** жуда яхши, дам олаверсин; 5 *в знач. сущ.* ~*с нескл.* аъло (баҳо); **получи́ть** ~ аъло баҳо олмоқ; **учи́ться на** ~ аъло баҳолар билан ўқимоқ.

ОТЛИ́ЧН/ЫЙ, -ая, -ое; -чен, -чна 1 бошқалардан фарқ қиладиган, ажралиб турадиган; бошқача, ўзгача; **реше́ние,** ~**ое от пре́жних** аввалгилардан бошқача қарор; **его́ по́черк отли́чен от ва́шего** унинг хати сизникидан бошқача; 2 аъло, жуда яхши; ~**ый кинофи́льм** жуда яхши кинофильм; ~**ое настрое́ние** жуда яхши кайфият; **пое́здка была́** ~**ой** сафар жуда яхши бўлди; ~**ый това́рищ** жуда яхши ўртоқ; **рабо́та** ~**ая!** иш жуда яхши!; жуда яхши иш!; **проду́кция** ~**ого ка́чества** аъло сифатли маҳсулот; **брига́да** ~**ого обслу́живания** аъло хизмат кўрсатувчи бригада, аъло хизмат бригадаси.

ОТЛО́В *м по гл.* **отлови́ть** 2; ~ **куни́ц** сувсарларни тутиш (овлаш).

ОТЛОВИ́ТЬ, -овлю́, -о́вишь *сов.* 1 овлаб бўлмоқ, овни тамомламоқ; 2 (*несов.* **отла́вливать**) овлаб олмоқ, тутмоқ, тутиб олмоқ; ~ **молоды́х оле́ней** ёш буғуларни тутмоқ, овлаб бўлмоқ.

ОТЛО́ГИЙ, -ая, -ое унча тик бўлмаган, бир оз нишаб, ётиқ; ~ **спуск** унча тик бўлмаган қиялик, ётиқ қиялик.

ОТЛО́ГО *нареч.* унча тик кўтарилмасдан, бир оз қиялаб, нишаб бўлиб; **тропа́** ~ **спуска́ется к реке́** сўқмоқ дарёга қиялаб тушар эди.

ОТЛОЖЕ́НИ/Е *с* 1 *по гл.* **отложи́ть** 3, 5, 6, 7 и **отложи́ться; ~е де́ла** ишни кечиктириш (қолдириш); 2 *биол.* организмда ажралиб чиққан, тўпланган нарса; **жировы́е** ~**я** 1) баданда ёғ ажралиб чиқиши (тўпланиши); 2) ёғ қатламлари; ~**е соле́й** баданда тўпланган туз; туз йиғилиши, тўпланиши; 3 *геол.* чўкинди; қатлам; ~**я у́гля** кўмир қатламлари; **песча́ные** ~**я** қум қатламлари; **известко́вые** ~**я** оҳак қатламлари.

ОТЛОЖИ́/ТЬ, -ожу́, -о́жишь *сов.* 1 (*несов.* **откла́дывать**) *что* олиб қўймоқ, бир четга қўймоқ; ажратиб (алоҳида қилиб) қўймоқ; ~**ть газе́ту в сто́рону** газетани бир четга қўймоқ; 2 (*несов.* **откла́дывать**) ажратиб (олиб) қўймоқ, сақлаб қўймоқ, асраб (атаб) қўймоқ; **э́ту кни́гу я** ~**л для вас** мен бу китобни сиз учун сақлаб (атаб олиб) қўйдим; ~**ть де́ньги на о́тпуск** отпуска учун пул ажратиб қўймоқ; 3 (*несов.* **отлага́ть** и **откла́дывать**) *что* кечиктирмоқ, чўзмоқ, кейинга сурмоқ (қолдирмоқ), орқага судрамоқ, пайсалга солмоқ; ~**ть отъе́зд** жўнаш вақтини кечиктирмоқ (кейинга қолдирмоқ); **ле́кцию придётся** ~**ть** лекцияни қолдиришга тўғри келади; **вы́боры отло́жены** сайлов қолдирилди; **отло́жим разгово́р до за́втра** гапни эртага қолдирайлик, эртага гаплашайлик; 4 (*несов.* **откла́дывать**) *кого-что* чиқармоқ (қўшдан, аравадан); ~**ть лошаде́й** отларни (аравадан) чиқармоқ; 5 (*несов.* **откла́дывать**) *что биол.* қўймоқ, туғмоқ; ~**ть я́йца** тухум қўймоқ; ~**ть икру́** увулдириқ (уруғ) қўймоқ (сочмоқ); 6 (*несов.* **отлага́ть**) *что геол.* чўкинди қатлами ҳосил қилмоқ; ✦ ~**ть попече́ние** *о ком-чём уст.* бирор кимса ёки нарса ҳақида ғамхўрлик қилмай қўймоқ.

ОТЛОЖИ́/ТЬСЯ, -ожу́сь, -о́жишься *сов.* (*несов.* **отлага́ться**) 1 (*несов. также* **откла́дываться**) чўкмоқ, ўтирмоқ; **в кле́тках** ~**лись со́ли** катакларда туз чўкиб қолди; **гли́на** ~**лась на дне** лой(қа) сув тагига чўкди; 2 *перен.* маҳкам сақланиб қолмоқ, хотирада қолмоқ, ўтирмоқ; **э́та пое́здка** ~**лась в мое́й па́мяти** бу (галги) сафар хотирамда маҳкам сақланиб қолди.

ОТЛО́ЖНО́Й, -а́я, -о́е: ~ **воротни́к** қайтарма ёқа.

ОТЛОМА́ТЬ *сов.* (*несов.* **отла́мывать**) 1 *что* синдирмоқ, ушатмоқ; синдириб (ушатиб) олмоқ; синдириб қўймоқ (юбормоқ), синдириб ташламоқ; ~ **суху́ю ве́тку** қуриган шохни синдириб олмоқ; 2 *прост.* анча (бир талай) йўл юрмоқ, босиб ўтмоқ; ~ **сто киломе́тров пешко́м** пиёда юз километр йўл юриб қўймоқ (босмоқ).

ОТЛОМА/ТЬСЯ, -а́ется *сов.* (*несов.* **отла́мываться**) синмоқ, синиб тушмоқ, учиб кетмоқ; **спи́нка кре́сла** ~**лась** креслонинг суянчиғи синиб кетибди (тушибди).

ОТЛОМИ́ТЬ *сов.* (*несов.* **отла́мывать**) *то же, что* **отлома́ть;** ~ **ве́тку сире́ни** сирень шохчасини синдириб олмоқ; ~ **кусо́чек сухаря́** сухаридан кичкина бир бўлак синдириб олмоқ.

ОТЛОМИ́/ТЬСЯ, -ло́мится *сов.* (**отла́мываться**) *то же, что* **отлома́ться; но́жка сту́ла** ~**лась** столнинг оёғи синиб тушди (синиб кетди).

ОТЛУПИ́ТЬ, -уплю́, -у́пишь *сов.* (*несов.* **отлупля́ть**) *прост.* 1 *что* терини кўчирмоқ, пўстлоғини шилмоқ, кўчириб (шилиб) олмоқ; кўчириб (шилиб, сидириб) ташламоқ; тозаламоқ, арчимоқ; ~ **тал** толнинг пўстлоғини шилмоқ; 2 *кого* калтакламоқ; дўппосламоқ, роса урмоқ.

ОТЛУПИ́/ТЬСЯ, -у́пится *сов.* (*несов.* **отлупля́ться**) *прост.* пўсти кўчмоқ, пўстлоғи шилинмоқ, шилиниб тушмоқ; тозаланмоқ, арчилмоқ.

ОТЛУПЛЯ́ТЬ *несов. см.* **отлупи́ть.**

ОТЛУПЛЯ́ТЬСЯ, -я́ется *несов.* 1 *см.* **отлупи́ться; 2** *страд. от* **отлупля́ть.**

ОТЛУЧА́ТЬ *несов. см.* **отлучи́ть.**

ОТЛУЧА́ТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **отлучи́ться; 2** *страд. от* **отлуча́ть.**

ОТЛУЧИ́ТЬ *сов.* (*несов.* **отлуча́ть**) *кого уст.* ажратмоқ, чиқармоқ, четлаштирмоқ, ҳайдамоқ; ~ **ребёнка от груди́** болани эмчакдан чиқармоқ (ажратмоқ); ~ **от це́ркви** черковдан четлатмоқ, муртад деб эълон қилмоқ.

ОТЛУЧИ́ТЬСЯ *сов.* (*несов.* **отлуча́ться**) қанчадир вақтга (бирров) чиқиб кетмоқ, қанчадир вақт (бирров) бирор ёққа чиқмоқ; ~ **из до́ма** уйдан қанчадир вақтга чиқиб кетмоқ; **мне на́до** ~ **на не́сколько часо́в** мен бир неча соатга бир жойга бориб келишим керак.

ОТЛУ́ЧК/А *ж, р. мн.* **-чек** қанчадир вақт йўқ бўлиш, бирор жойга чиқиб кетиш; **быть в** ~**е** қанчадир вақт йўқ бўлмоқ, бирор жойга чиқмоқ; **во вре́мя его́** ~**и** у йўқлигида.

ОТЛЫНИВАНИЕ *с прост. по гл.* **отлы́нивать;** ~ **от рабо́ты** ишдан бўйин товлаш.

ОТЛЫНИВА́ТЬ *несов. прост.* қочмоқ, бўйин товламоқ, дангасалик (ишёқмаслик) қилиб юрмоқ; ~ **от уро́ков** дарслардан қочиб юрмоқ.

ОТМА́ЛИВАТЬ *несов. см.* **отмоли́ть.**

ОТМА́ЛИВАТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **отмоли́ться** 1; 2 *страд. от* **отма́ливать.**

ОТМА́ЛЧИВАТЬСЯ *несов. см.* **отмолча́ться.**

ОТМА́НИВАТЬ *несов. см.* **отмани́ть.**

ОТМАНИ́ТЬ, -аню́, -а́нишь *сов.* (*несов.* **отма́нивать**) *кого разг.* алдаб чақирмоқ, алдаб чақириб олмоқ; ~ **соба́ку от кур** итни товуқлардан алдаб чақириб олмоқ.

ОТМА́ТЫВАТЬ *несов. см.* **отмота́ть.**

ОТМА́ТЫВАТЬСЯ, -ается *несов.* 1 *см.* **отмота́ться; 2** *страд. от* **отма́тывать.**

ОТМАХ/А́ТЬ *сов.* (*несов.* **отма́хивать**) 1 қанчадир вақт силтамоқ, силкитмоқ; 2 *прост.* силтай бериб чарчатмоқ, толиқтирмоқ; ~**а́ть ру́ки на косьбе́** ўроқ ўриб қўлни чарчатмоқ; 3 *чем* и *без доп. мор.* бирор нарса силкитиб хабар (буйруқ, жавоб ва ҳ. к.) бермоқ; ~**а́ть отве́т флаж**[illegible] байроқ силкитиб жавоб бермоқ (қайтармоқ); 4 *про*[illegible] қанчадир йўл босмоқ (юрмоқ), йўл босиб (юриб) қўймоқ, ўтмоқ; **за час** ~**а́ли де́сять киломе́тров** бир соатда ўн ки-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лометр босиб қўйибмиз; 5 *прост.* қойиллатмоқ, дўндирмоқ, қотириб ташламоқ; ~а́ть неде́льный план за три дня бир ҳафталик планни уч кунда дўндирмоқ.

ОТМАХИВА́ТЬ *несов.* 1 *см.* **отмаха́ть**; 2 (*сов.* **отмахну́ть**) *кого-что* елпиб ҳайдамоқ, қўримоқ; ~ **комаро́в** чивин қўримоқ, чивинларни ҳайдамоқ (елпиб, қувиб юбормоқ).

ОТМАХИВА́ТЬСЯ *несов.* (*сов.* **отмахну́ться**) 1 елпиб ўзидан қочирмоқ, ҳайдамоқ, қувиб юбормоқ, ўзини қўримоқ; ~ **от мух** елпиниб пашшаларни ўзидан қочирмоқ (ҳайдамоқ); 2 қўл силтамоқ, қўл силтаб эътиборсизлик билдирмоқ, эътибор бермаслик, қулоқ солмаслик; *3 перен. разг.* бўйин товламоқ, қочмоқ; ~**от поруче́ний** топшириқдан бўйин товламоқ, топшириқдан қочмоқ.

ОТМАХНУ́ТЬ *сов.* и *однокр. см.* **отма́хивать** 2.

ОТМАХНУ́ТЬСЯ *сов.* и *однокр см.* **отма́хиваться.**

ОТМА́ШКА *ж* 1 силташ, силкитиш, силтов; 2 *мор.* байроқча (ёки фонарь) силкитиб бериладиган сигнал.

ОТМА́ЧИВАТЬ *несов. см.* **отмочи́ть.**

ОТМА́ЯТЬСЯ *сов. прост.* машаққатдан қутулмоқ, азоб-уқубатдан халос бўлмоқ, қийналиб (азоб-уқубат тортиб) маррасига тақалмоқ, бўлари бўлмоқ; бу дунё ташвишларидан қутулиб кетмоқ; ~ **от тяжёлой рабо́ты** оғир ишдан маррасига тақалмоқ.

ОТМЕЖЕВА́НИЕ *с по гл.* **отмежева́ть** и **отмежева́ться; ~ земе́льного уча́стка** ер участкасини чегаралаб ажратиш (ажратиб олиш, ажратиб қўйиш); ~ **областе́й зна́ний** фан (билим) сохаларининг чегараланиши, бир-биридан ажралиб чиқиши.

ОТМЕ́ЖЕВАТЬ, -жу́ю, -жу́ешь *сов.* (*несов.* **отмежёвывать**) *что* 1 чегараламоқ, чегаралаб олмоқ (ажратмоқ); марза тортиб ажратиб олмоқ, ажратиб қўймоқ; ~ **по́ле** ер майдонини чегаралаб ажратмоқ; 2 *перен.* ажратмоқ, айирмоқ, ажратиб олмоқ; ~ **одну́ о́бласть зна́ний от другой** илмнинг бирор соҳасини бошқасидан ажратмоқ; ~ **себе́ круг вопро́сов** маълум доирадаги масалаларни ўзига ажратиб олмоқ.

ОТМЕЖЕВА́ТЬСЯ, -жу́юсь, -жу́ешься *сов.* (*несов.* **отмежёвываться**) 1 чегараланиб (чегара олиб) ажралмоқ, ажралиб олмоқ, ажралиб чиқмоқ; 2 *перен.* ажралмоқ, ажралиб (айрилиб) чиқмоқ, айрилиб кетмоқ; узилмоқ, узоқлашмоқ, қайтмоқ, алоқани узмоқ; кечмоқ; ~ **от оши́бочных тео́рий** нотўғри назариялардан узилмоқ (воз кечмоқ).

ОТМЕЖЁВЫВАТЬ *несов. см.* **отмежева́ть.**

ОТМЕЖЁВЫВАТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **отмежева́ться**; 2 *страд. от* **отмежёвывать.**

ОТМЕ́ЛЬ *ж* саёз жой, саёзлик; **песча́ная** ~ қумлоқ саёзлик.

ОТМЕ́Н/А *ж по гл.* **отмени́ть**; ~**а ча́стной со́бственности** хусусий мулкни йўқотиш; хусусий мулкнинг йўқотилиши; ~**а крепостно́го пра́ва** крепостной ҳуқуқни бекор (йўқ) қилиш; ~а **зако́на** қонунни бекор қилиш, қонуннинг бекор қилиниши; ~**а спекта́кля** спектаклни қолдириш; ✦ **в ~у** *чего* ўрнига, эвазига, ҳисобига; **в ~у распоряже́ния** бекор қилинган буйруқ ўрнига.

ОТМЕНИ́ТЬ, -ню́, -ни́шь *сов.* (*несов.* **отменя́ть**) *что* 1 бекор қилмоқ; йўқ қилмоқ, йўқотмоқ; ~ **телёсные наказа́ния** жисмоний жазони йўқ қилмоқ; 2 **бекор қилмоқ, кучдан қолдирмоқ**; қолдирмоқ; ~ **зако́н** қонунни бекор қилмоқ, қонунни кучдан қолдирмоқ; ~ **реше́ние суда́** суд ҳукмини бекор қилмоқ; **премье́ра спекта́кля отменена́** спектакль премьераси қолдирилди.

ОТМЕ́НН/ЫЙ, -ая, -ое; -е́нен, -е́нна 1 жуда ҳам яхши, аъло; **пого́да стоя́ла ~ая** ҳаво (об-ҳаво) жуда яхши эди; **у́жин был ~ый** кечки овқат аъло даражада эди; **~ый вкус виногра́да** узумнинг мазаси жудаям яхши; 2 ажойиб, тенги йўқ, мисли йўқ; ~**ое му́жество** мисли йўқ қаҳрамонлик; 3 *уст.* бошқача, ўзгача, ...га ўхшамаган (ўхшамайдиган).

ОТМЕНЯ́ТЬ *несов. см* **отмени́ть.**

ОТМЕРЕ́ТЬ, отомрёт; о́тмер, -ла́ *сов* (*несов.* **отмира́ть**) 1 қуриб қолмоқ, сўлиб қолмоқ, ҳалок (нобуд) бўлмоқ; **верши́ны я́блонь о́тмерли** олманинг учлари қуриб қолди; **о́тмерли ко́рни роз** атиргулларнинг илдизи қуриб қолибди; 2 *перен.* йўқолмоқ, йўқолиб (йўқ бўлиб, қолиб) кетмоқ, барҳам (завол) топмоқ; **мно́гие ста́рые обы́чаи о́тмерли** кўпгина эски одатлар (расм-русмлар) йўқолиб (қолиб) кетди.

ОТМЕРЗА́ТЬ, -а́ет *несов. см.* **отмёрзнуть.**

ОТМЁРЗ/НУТЬ, -нет; -ёрз, -ёрзла *сов.* (*несов.* **отмерза́ть**) 1 совуқ урмоқ, совуқ уриб қуриб қолмоқ, ҳалок (нобуд) бўлмоқ; **цвето́чные по́чки ~ли** гулкуртаклар совуқда ҳалок бўлди (қуриб қолди); гул куртакларини совуқ уриб кетди; 2 *разг.* совқотиб қолмоқ, совуқ еб қолмоқ, музлаб кетмоқ; музлаб кесак бўлиб қолмоқ; **ру́ки ~ли** қўллар музлаб кетди, қўллар музлаб кесак бўлиб қолди.

ОТМЕ́РИВАТЬ *несов. см.* **отме́рить.**

ОТМЕ́РИ/ТЬ *сов.* (*несов.* **отме́ривать**) *что* 1 ўлчаб ажратмоқ, ўлчаб бермоқ; ўлчаб чиқмоқ; ~**ть пять ме́тров ткани** беш метр чит ўлчаб бермоқ; 2 *разг.* маълум масофани ўтмоқ, юрмоқ, югурмоқ; ~**ли ли́шних три киломе́тра** уч километр ошиқча йўл босибмиз (юрибмиз).

ОТМЕСТИ́, -мету́, -метёшь, -ёл, -ела́ *сов.* (*несов.* **отмета́ть**) *что* супурмоқ, супуриб ташламоқ; ~ **снег от поро́га** остона олдидан (олдидаги) қорни супуриб ташламоқ; 2 *перен.* таг-туги билан супуриб ташламоқ, улоқтириб ташламоқ; рад этмоқ, остин-устун қилмоқ, пучга чиқармоқ; ~ **всё чу́ждое** ҳамма ёт нарсаларни (унсурларни) таг-туги билан супуриб (улоқтириб) ташламоқ; ~ **до́воды проти́вника** мухолифининг далилларини остин-устун қилмоқ (рад этмоқ, пучга чиқармоқ); ~ **печа́льные мы́сли** қайғули ўйларни миядан (хаёлдан) чиқариб ташламоқ; ~ **подозре́ния** шубҳаларни йўқотмоқ (улоқтириб ташламоқ, қўймоқ).

ОТМЕСТК/А *ж разг.* ўч, қасос; интиқом; ўч олиш, қасос олиш; ~**а за оби́ду** хафа қилгани (ранжитгани) учун қасос олиш; ✦ **в ~у** қасос тариқасида, ўч олиш (аламдан чиқиш) учун, ўч олиш ниятида.

ОТМЕТА́ТЬ *несов. см.* **отмести́.**

ОТМЕ́ТИН/А *ж* 1 белги, нишон(а); **сде́лать ~у на де́реве** дарахтга белги қўймоқ; 2 қашқа, хол, доғ; **конь с ~ой на лбу** қашқа от; **щено́к с бе́лой ~ой на боку́** биқинида оқ холи (доғи) бор кучук.

ОТМЕ́ТИТЬ, -е́чу, -е́тишь *сов.* (*несов.* **отмеча́ть**) 1 *что* белгиламоқ, белги қўймоқ, белги солмоқ; ~ **абза́ц каранда́шом** абзацни қалам билан белгиламоқ; **маршру́т отме́чен на ка́рте флажка́ми** картада маршрут байроқчалар билан белгилаб кўрсатилган; 2 *кого-что* қайд қилмоқ, ёзиб (ёки белги қўйиб) қўймоқ; рўйхатга (ҳисобга) олмоқ; ~ **да́ту прибы́тия** келган кунини ёзиб қўймоқ; ~ **в блокно́те** блокнотга ёзиб қўймоқ; ~ **прису́тствующих по спи́ску** келганларни рўйхат бўйича қайд қилмоқ; 3 *кого-что* эътибор бермоқ, қайд қилмоқ, билиб олмоқ (қўймоқ); пайқамоқ, сезмоқ; ~ **спосо́бного ученика́** лаёқатли ўқувчи эканлигини сезмоқ (пайқамоқ, билиб олмоқ, қўймоқ); **я отме́тил, что он привира́ет** у ёлғон сўзлаётганини пайқадим (сезиб қолдим); 4 *что* тўхтаб (тўхталиб) ўтмоқ, эслатиб ўтмоқ, тилга олмоқ, айтиб (кўрсатиб) ўтмоқ; ~ **достиже́ния** ютуқларни айтиб (кўрсатиб) ўтмоқ; **коми́ссия отме́тила сле́дующие недоста́тки** комиссия қуйидаги камчиликларни кўрсатиб ўтди; **как бы́ло отме́чено вы́ше** юқорида айтилганидек, юқорида кўрсатиб ўтилганидек; 5 *кого-что* мақтамоқ, тақдирламоқ, мақтовга (мукофотга ва ҳ. к.) сазовор қилмоқ; **пье́са была́ отме́чена как лу́чшая в сезо́не** пьеса мавсумдаги энг яхши асар сифатида мақтовга сазовор бўлди; **лу́чшие произво́дственники бы́ли отме́чены награ́дами** энг яхши ишлаб чиқарувчилар мукофотлар билан тақдирландилар; **6** *что* тантана билан ўтказмоқ, нишонламоқ; ~ **День побе́ды** Ғалаба кунини нишонламоқ; 7 *кого разг.* ўчирмоқ, ҳисобдан (рўйхатдан) чиқармоқ, кетганлигини қайд қилмоқ; ~ **в домо́вой кни́ге** (мас., кетганлигини) уй дафтарига қайд қилмоқ.

ОТМЕ́ТИТЬСЯ, -чусь, -тишься *сов.* (*несов.* **отмеча́ться**) 1 рўйхатдан ўтмоқ, қайд қилдирмоқ, ёзилмоқ; ~ **в спи́ске** рўйхатга ёзилмоқ; рўйхатда келганини (борлигини ва ҳ. к.) қайд қилдириб қўймоқ; 2 *разг.* уй дафтаридан чиқмоқ, рўйхатдан ўчмоқ.

ОТМЕ́ТКА *ж, р. мн.* **-ток** 1 *по гл.* **отме́тить** 1, 2, 7; 2 белги, нишон, аломат; ~ **в те́ксте** текстдаги белги; **каранда́шная** ~ қаламда (қалам билан) қўйилган белги; ~ **на поля́х кни́ги** китоб ҳошияларидаги белги; 3 отметка, ёзув, белги, қайд; ~ **на де́реве** дарахтга қўйилган белги; ~ **за́гса на па́спорте** загснинг паспортга қўйган отметкаси (белгиси, штампи); ~ **об убы́тии** кетганлик (рўйхатдан, про-

www.ziyouz.com kutubxonasi

пискадан ўчганлик ва ҳ. к.) ҳақида ёзув (штамп, белги); 4 из, асар; 5 баҳо (ўқув юртларида); **хоро́шая ~** яхши баҳо; **вы́ставить отме́тки за че́тверть** чорак учун баҳолар қўйиб чиқмоқ; 6 *геод. геогр.* отметка (тепалик ёки иншоотнинг баландлиги ҳақидаги рақамий белги).

ОТМЕЧА́ТЬ *несов. см.* **отме́тить.**

ОТМЕЧА́/ТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **отме́титься;** 2 кузатилмоқ, кўзга ташланмоқ, кўрилмоқ, бўлиб турмоқ; **в э́той зо́не ~ются си́льные ве́тры** бу минтақада кучли шамоллар бўлиб туради; 3 *страд. от* **отмеча́ть.**

ОТМИРА́НИЕ *с по гл.* **отмира́ть;** ~ **дере́вьев** дарахтларнинг қуриб қолиши; ~ **суеве́рий** хурофот (ирим-сиримлар)нинг йўқолиб кетиши; ~ **госуда́рства** давлатнинг йўқ бўлиши(барҳам топиши).

ОТМИРА́ТЬ, -а́ет *несов. см.* **отмере́ть.**

ОТМОБИЛИЗОВА́ТЬ, -зу́ю, -зу́ешь *сов. кого-что разг.* тўла сафарбар қилмоқ, мобилизация қилиб бўлмоқ; ~ **а́рмию** армияни тўла сафарбар қилмоқ; ~ **горожа́н на сбор хло́пка** шаҳарликларни пахта теримига тўла сафарбар қилмоқ.

ОТМОБИЛИЗОВА́ТЬСЯ, -зу́ется, -зу́емся, -зу́етесь *сов. разг.* ҳарбий кучларни тўла сафарбар қилмоқ, сафарбарлик ҳолатига келтирмоқ.

ОТМОКА́ТЬ, -а́ет *несов. см.* **отмо́кнуть.**

ОТМО́К/НУТЬ, -нет; -о́к, -о́кла *сов.* (*несов.* **отмока́ть**) 1 нам тортмоқ, намиқиб қолмоқ, ҳўл бўлиб қолмоқ, ивимоқ, бўкмоқ; **по́рох ~** порох намиқиб қолибди; **са́хар ~** шакар нам тортиб қолибди; 2 нам тортиб (намиқиб, ивиб) кўчиб кетмоқ; **ма́рка ~ла** марка ивиб кўчиб кетди (кетибди).

ОТМОЛА́ЧИВАТЬ *несов. см.* **отмолоти́ть** 1.

ОТМОЛИ́ТЬ, -оли́ю, -о́лишь *сов.* (*несов.* **отма́ливать**) *что уст.* гуноҳини ибодат билан ювмоқ, ибодат қилиб гуноҳларини кечиришни сўрамоқ; истиғфор келтирмоқ; ~ **грехи́** ибодат қилиб (истиғфор келтириб) гуноҳларини кечиришни сўрамоқ.

ОТМОЛИ́ТЬСЯ, -оли́юсь, -о́лишься *сов.* 1 (*несов.* **отма́ливаться**) *уст.* ибодат билан (истиғфор келтириб) гуноҳларини ювмоқ, гуноҳлардан қутулмоқ; от **сме́рти не отмо́лишься** *погов.* истиғфор келтирган билан ўлимдан қутулиб бўлмайди, ўлимга даво йўқ; 2 *разг.* ибодат қилиб бўлмоқ, ибодатни тугатмоқ, ибодатдан қутулмоқ.

ОТМОЛОТИ́/ТЬ, -очу́, -о́тишь *сов.* 1 (*несов.* **отмола́чивать**) маълум вақт ғалла янчмоқ, ғалла янчиб ўтказмоқ; **~ть два дня** икки кун ғалла янчмоқ; 2 *что* янчиб олмоқ, янчиб бўлмоқ, янчиб қўймоқ, ғалла янчишни тугалламоқ, янчишдан қутулмоқ; **пшени́цу ~ли** буғдойни янчиб бўлдик (бўлдилар).

ОТМОЛОТИ́ТЬСЯ, -очу́сь, -о́тишься *сов. то же, что* **отмолоти́ть** 2.

ОТМОЛЧА́ТЬСЯ *сов.* (*несов.* **отма́лчиваться**) *разг.* индамасдан (жавоб бермасдан) қутулмоқ, индамаслик, жавоб қайтармаслик; **на э́тот раз вам не ~** бу сафар жавоб бермасангиз бўлмайди.

ОТМОРА́ЖИВАТЬ *несов. см.* **отморо́зить.**

ОТМОРО́ЗИ/ТЬ, -о́жу, -о́зишь *сов.* (*несов.* **отмора́живать**) *что* совуққа олдирмоқ (урдирмоқ); совуқ урдириб қўймоқ; **~л себе́ па́льцы** бармоқларимни совуқ(қа) олдирдим (совуқ урдириб қўйдим).

ОТМОТА́ТЬ *сов.* (*несов.* **отма́тывать**) 1 *что* и *чего* чуватмоқ, биридан бошқасига ўрамоқ, ўраб олмоқ; ~ **ни́тки с кату́шки на шпу́льку** ғалтакдан найчага ип ўраб олмоқ; ~ **немно́го ше́рсти** озгина жун ип ўраб олмоқ; 2 *что разг.* толдирмоқ, чарчатмоқ; ~ **ру́ки на ве́сах** эшкак эшиб қўлни толдирмоқ.

ОТМОТА́/ТЬСЯ, -а́ется *сов.* (*несов.* **отма́тываться**) ёзилмоқ, чувалмоқ, бўшалмоқ; **клубо́к ~лся** коптокдаги ип (ип коптоги) чувалиб кетди.

ОТМОЧИ́ТЬ, -очу́, -о́чишь *сов.* (*несов.* **отма́чивать**) *что* 1 ҳўллаб (намлаб) ажратмоқ, ажратиб олмоқ; ~ **бинт** бинтни ҳўллаб ажратиб олмоқ; 2 ивитмоқ, ивитиб олмоқ, ивитиб юмшатмоқ, ўзгартирмоқ (мас., шўрини пасайтирмоқ); ~ **овчи́ну** қўй терисини ивитмоқ; **селёдку на́до ~** селёдкани ивитиш (шўрини ювиб ташлаш) керак; 3 *перен. прост.* кутилмаган (қизиқ, ажиб) иш қилмоқ, ғалати (бемаъни, ножўя) гап айтмоқ; ~ **глу́пость** бемаъни (куракда турмайдиган) гап айтмоқ; **ну и шту́ку он отмочи́л!** у жуда қизиқ бир ҳазил қилди; топган ҳазилини қара!

ОТМСТИ́ТЬ, -мщу́, -мсти́шь *сов.* (*несов.* **отмща́ть**) *уст. то же, что* **отомсти́ть.**

ОТМУЧИ́ТЬСЯ *сов. разг.* азобдан қутулмоқ, азоб-уқубатдан халос бўлмоқ; бу дунё ташвишларидан қутулмоқ (қутулиб кетмоқ); ~ **от зубно́й бо́ли** тиш оғриғидан қутулмоқ.

ОТМЩА́ТЬ *несов. см.* **отмсти́ть.**

ОТМЩЕ́НИЕ *с книжн. по гл.* **отмсти́ть;** ~ **за про́литую кровь** тўкилган қон учун ўч (қасос) олиш; хун олиш.

ОТМЫВА́ТЬ *несов. см.* **отмы́ть.**

ОТМЫВА́ТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **отмы́ться** 1, 2; 2 *страд. от* **отмыва́ть.**

ОТМЫКА́ТЬ *несов. см.* **отомкну́ть.**

ОТМЫКА́ТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **отомкну́ться;** 2 *страд. от* **отмыка́ть.**

ОТМЫ́ТЬ *сов.* (*несов.* **отмыва́ть**) *что* 1 ювмоқ, ювиб тозаламоқ, ювиб ташламоқ (кетказмоқ); ~ **закопте́лую посу́ду** идишларнинг қурумини ювиб ташламоқ, идишларнинг қурумини ювиб кетказмоқ; ~ **ру́ки** қўлни ювиб тозаламоқ; **пятно́ не удало́сь ~** доғни кетказиб бўлмади, ювган билан доғ кетмади; 2 *спец.* ювиб тозаламоқ, ажратмоқ, ажратиб олмоқ; ~ **золото́й песо́к** тилла қумини ювиб аралашмалардан тозаламоқ (олтинли қисмини ажратмоқ); 3 ювиб кетмоқ, ювиб, оқизиб (ўпириб) кетмоқ; **река́ отмы́ла бе́рег** дарё қирғоқни ювиб кетди.

ОТМЫ/ТЬСЯ *сов.* 1 (*несов.* **отмыва́ться**) ювилиб кетмоқ, тоза бўлмоқ, тозаланмоқ; **пятно́ ~лось** доғ ювилиб кетди, доғ ювиб тозаланди; **ру́ки ~лись** қўллар ювилиб тозаланди (тоза бўлди); 2 (*несов.* **отмыва́ться**) *спец.* аралашмалардан холи бўлмоқ, тозаланмоқ; 3 *прост.* ювиниб бўлмоқ; ювиниб чиқмоқ; **~ться в ба́не** ҳаммомда ювиниб чиқмоқ.

ОТМЫ́ЧКА *ж, р. мн.* **-чек** очқич (қулфни очадиган мослама).

ОТМЯ́КАТЬ *несов. см.* **отмя́кнуть.**

ОТМЯК/НУТЬ, -ну, -нешь; -я́к, -я́кла *сов.* (*несов.* **отмяка́ть**) *разг.* 1 нам тортиб юмшамоқ, ивимоқ, бўкмоқ; **ко́жа ~ла** тери (чарм) ивиб юмшади (юмшаб қолди); 2 *перен.* юмшамоқ, кўнгли юмшамоқ, жаҳлидан тушмоқ; **всё ещё се́рдится?— Нет, ~** ҳали ҳам жаҳл устидами?— Йўқ, жаҳлдан тушди.

ОТНЕ́КИВА/ТЬСЯ *несов. разг.* йўқ-йўқ деб туриб олмоқ, кўнмай туравермоқ, қайтармоқ, кўнмаслик, рози бўлмаслик; **ско́лько мы его́ ни проси́ли, он всё ~лся** биз қанча илтимос қилсак ҳам, у йўқ-йўқ деб туриб олди (сира кўнмади).

ОТНЕСТИ́, -су́, -сёшь; -ёс, -есла́ *сов.* (*несов.* **относи́ть** I) 1 *кого-что кому, куда* олиб бормоқ, олиб бориб бермоқ, олиб бориб (элтиб) қўймоқ; ~ **ве́щи в подва́л** нарсаларни подвалга олиб бориб (тушиб) қўймоқ; ~ **письмо́ на по́чту** хатни почтага олиб бориб бермоқ (топширмоқ, ташламоқ); ~ **ребёнка в я́сли** болани яслига олиб бориб (элтиб) қўймоқ; 2 *кого-что* нари(га) силжитмоқ, узоқлаштирмоқ, суриб (итариб) қўймоқ; ~ **ве́щи от костра́** нарсаларни гулхандан нарига суриб қўймоқ; ~ **ру́ку** қўлини итариб қўймоқ; 3 *кого-что* олиб кетмоқ, оқизиб (ёки учириб) кетмоқ; **тече́нием отнесло́ ло́дку** оқим қайиқни олиб (оқизиб) кетди; 4 *что* кўчирмоқ, сурмоқ; ~ **забо́р на пять ме́тров** деворни беш метр нари сурмоқ; 5 *кого-что к кому-чему* ҳисобламоқ, топмоқ, қўшмоқ, киритмоқ; **ста́тую отнесена́ к тре́тьему ве́ку н. э.** ҳайкал эрамизнинг учинчи асрига онд деб топилди; ~ **к велича́йшим поэ́там эпо́хи** даврнинг энг йирик шоирлари қаторига киритмоқ (қўшмоқ); 6 *что* ...сабабли деб билмоқ;... туфайли деб ҳисобламоқ (топмоқ); ...дан кўрмоқ; **оши́бку мо́жно ~ то́лько к рассе́янности а́втора** хатони фақат авторнинг паришонхотирлиги туфайли деб ҳисоблаш керак; 7 *что прост.* бир уриб учириб юбормоқ, чопиб ташламоқ; [**Рабо́тник**] **Отнёс полчерепа медве́дю топоро́м** (И. Крылов) [Хизматкор] Болта билан бир уриб айиқнинг ярим калласини учириб юборди; 8 *что* қолдирмоқ, кечиктирмоқ; **ле́кция отнесена́ на за́втра** лекция эртага қолдирилди; ✦ ~ **за счёт** *кого-что* бировнинг гарда-

www.ziyouz.com kutubxonasi

нига юкламоқ, бировнинг ҳисобига ўтказмоқ; **убы́тки отнесли́ за счёт вино́вного** зарарни айбдорнинг гарданига юкладилар; зарар айбдорнинг зиммасига юкланди.

ОТНЕСТИ́СЬ, -су́сь, -сёшься; -ёсся, -есла́сь *сов. (несов.* **относи́ться**) *к кому-чему* 1 муносабатда бўлмоқ, муомала қилмоқ, қарамоқ; **как они́ к вам отнесли́сь?** улар сизга қандай муносабатда бўлдилар (қарадилар)?; ~ **с недове́рием** ишончсизлик билан (ишонқирамай) қарамоқ, ишонмаслик; 2 *уст.* мурожаат қилмоқ; ~ **с про́сьбой** илтимос билан мурожаат қилмоқ; 3 *уст.* муносабат билдирмоқ, баҳо бермоқ; ~ **с похвало́й** мақтаб баҳо бермоқ.

ОТНИЗА́ТЬ, -ижу́, -и́жешь *сов.* (*несов.* **отни́зывать**) *что* (ипга чизилган нарсани) бўшатиб (чиқариб) олмоқ; ~ **не́сколько бу́син** бир неча мунчоқни бўшатиб (чиқариб) олмоқ.

ОТНИ́ЗЫВАТЬ *несов. см.* **отниза́ть.**

ОТНИКЕЛИРОВА́ТЬ, -ру́ю, -ру́ешь *сов. что* никелламоқ, никеллаб бўлмоқ, никеллаб қўймоқ; ~ **подно́с** патнисни никелламоқ.

ОТНИМА́ТЬ *несов. см.* **отня́ть.**

ОТНИМА́ТЬСЯ, -а́ется *несов.* 1 *см.* **отня́ться**; 2 *страд. от* **отнима́ть.**

ОТНОСИ́ТЕЛЬНО 1 *нареч.* бир қадар, бирмунча, деярли, нисбатан; **сего́дня ~ тепло́** бугун бирмунча (нисбатан) иссиқ; **докла́д прошёл ~ уда́чно** доклад деярли яхши ўтди (бўлди); 2 *предлог с р.* тўғрисида, ҳақида, хусусида, юзасидан; **мы говори́ли ~ пла́на** биз план тўғрисида гаплашдик; ~ **рабо́ты я ничего́ не узна́л** иш ҳақида (юзасидан) мен ҳеч нарса билолмадим; 3 *предлог с р.* -га нисбатан; **симметри́чность фигу́р ~ оси́** фигураларнинг ўққа нисбатан симметриклиги (мутаносиблиги).

ОТНОСИ́ТЕЛЬНОСТЬ *ж* нисбийлик, нисбий бўлиш (эканлик); нисбият; ~**ь вре́мени** вақтнинг нисбийлиги (нисбий бўлиши ёки нисбий эканлиги); **тео́рия ~и** нисбийлик (нисбият) назарияси.

ОТНОСИ́ТЕЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое; -лен, -льна 1 нисбий, нисбат бериб (қиёслаб) аниқланадиган, билинадиган; **Ра́зность ме́жду мо́лодостью и ста́ростью весьма́ ~а и усло́вна** (Чехов) Ёшлик ва қарилик ўртасидаги тафовут анча нисбий ва шартлидир; ~**ая и́стина** *филос.* нисбий ҳақиқат; ~**ая приба́вочная сто́имость** *эк.* нисбий қўшимча қиймат; 2 ўртача, ўрта-миёна, дуруст деса бўладиган, бирмунча яхши; ~**ый успе́х** ўрта-миёна муваффақият; **в состоя́нии больно́го наступи́ло ~ое улучше́ние** беморнинг аҳволи бирмунча яхшиланди; 3 *грам.* нисбий; ~**ые местоиме́ния** нисбий олмошлар; ~**ые прилага́тельные** нисбий сифатлар.

ОТНОСИ́ТЬ I, -ошу́ -о́сишь *несов. см.* **отнести́.**

ОТНОСИ́/ТЬ II, -ошу́, -о́сишь *сов. что разг.* роса қиймоқ, кийиб **тамом** қилмоқ, ишдан чиқармоқ, ҳақи қолмагунча киймоқ; **э́ти ту́фли я уже́ ~л** мен бу туфлини роса кийганман, бу туфлида ҳақим қолмаган.

ОТНОСИ́ТЬСЯ, -ошу́сь, -о́сишься *несов.* 1 *см.* **отнести́сь**; 2 *к кому-чему* тегишли (тааллуқли, оид) бўлмоқ; алоқадор (дахлдор) бўлмоқ, қаратилган бўлмоқ; **э́то к вам не отно́сится** бу сизга тегишли эмас, бунинг сизга алоқаси (тегиши, дахли) йўқ; **э́ти материа́лы не отно́сятся к де́лу** бу материалларнинг ишга алоқаси йўқ; **вопро́с отно́сится к вам** масала сизга тегишли (сизнинг тўғрингизда); савол сизга қаратилган; 3 *к чему* мансуб (оид) бўлмоқ, кирмоқ; **па́мятник отно́сится к 19 ве́ку** ёдгорлик 19-асрга оиддир; **хлопча́тник отно́сится к солнцелюби́вым культу́рам** пахта қуёшсевар ўсимликлар қаторига киради; **он отно́сится к числу́ здравомы́слящих люде́й** у соғлом фикрли кишилардан; 4 *мат.* бирор нисбатда бўлмоқ; **три отно́сится к шести́, как шесть к двена́дцати** олти ўн иккига қандай нисбатда бўлса, уч ҳам олтига шундай нисбатда бўлади; 5 *страд. от* **относи́ть.**

ОТНОШЕНИ/Е *с* 1 муносабат, муомала; **муносабатда** (муомалада) бўлиш, қараш; **равноду́шное ~е** *к кому-чему-л.* лоқайдлик билан қараш, бепарво қараш; **бе́режное ~е** эҳтиётлик билан қараш, ардоқлаш; **гру́бое ~е** қўпол муомала; 2 нуқтаи назар, қараш; муносабат; **серьёзное ~е к жи́зни** ҳаётга жиддий қараш (муносабат); **каково́ его́ ~е к э́тому де́лу?** бу ишга у қандай қарайди?; бу иш ҳақида унинг фикри қандай? 3 *мн.* ~**я** муносабат, алоқа; **дру́жеские ~я** дўстона муносабатлар; **семе́йные ~я** оилавий муносабатлар; ~**я дру́жбы и добрососе́дства** дўстлик ва яхши қўшничилик муносабатлари; **произво́дственные ~я** ишлаб чиқариш муносабатлари; **дипломати́ческие ~я** дипломатик муносабатлар; **быть в хоро́ших (плохи́х) ~ях** *с кем-л.* кимса билан яхши (ёмон) муносабатда бўлмоқ; **выясня́ть ~я** ўзаро муносабатни аниқлаб олмоқ; 4 алоқа, дахлдорлик, тааллуқлилик, тегишлилик, дахл, тааллуқ; **э́то не име́ет ко мне никако́го ~я** бунинг менга ҳеч қандай алоқаси йўқ; **статья́ к да́нному вопро́су ~я не име́ет** мақоланинг бу масалага алоқаси йўқ; 5 ўзаро боғланиш, алоқа, муносабат; ~**е мышле́ния к бытию́** тафаккурнинг борлиққа муносабати; тафаккур билан борлиқ (мавжудот) ўртасидаги боғланиш; 6 алоқа қоғози, ҳужжат; 7 *мат.* нисбат; **ско́рость есть ~е про́йденного пути́ ко вре́мени** тезлик босиб ўтилган йўлнинг вақтга нисбатидир; ✦ **в ~и** *кого-чего*; **по ~ю** *к кому-чему* бирор кимса-нарса ҳақида (тўғрисида); бирор кимсага-нарсага нисбатан; **ты несправедли́в по ~ю к А́нне** сен Аннага нисбатан адолатсизсан (адолатсизлик қиляпсан); **в не́котором ~и** бир (маълум) жиҳатдан; баъзи масалаларда; **в не́котором ~и он прав** бир (маълум) жиҳатдан у ҳақли; айрим ўринларда уники тўғри; **во всех ~ях** ҳар жиҳатдан, ҳамма томондан.

ОТНЫНЕ *нареч. книжн.* шу кундан бошлаб, ҳозирдан эътиборан, бундан буён, бундан кейин, минбаъд; ~ **и до ве́ка** ҳозирдан то умрнинг охиригача, то абад, абадулобод.

ОТНЮДЬ *нареч.* ҳеч, ҳеч бир, сира, асло, мутлақо, зинҳор; **я ~ не уста́л** мен сира чарчаганим йўқ; **он ~ не прав** у мутлақо ҳақли эмас (ноҳақ); ~ **нет** мутлақо бундай (ундай, шундай) эмас, асло йўқ.

ОТНЯТЬ, отниму́, отни́мешь *сов.* (*несов.* **отнима́ть**) 1 *кого-что* тортиб олмоқ, зўрлик билан олиб қўймоқ, босиб олмоқ; ~ **топо́р** қўлидан болтани тортиб олмоқ; ~ **дом и рабо́ту** уйини ва ишини олиб қўймоқ; уйдан ва ишдан маҳрум қилмоқ; 2 *перен. что* олмоқ, олиб қўймоқ, маҳрум (жудо) қилмоқ, пучга (йўққа) чиқармоқ; ~ *у кого-л.* **наде́жду** умидини йўққа (пучга) чиқармоқ; ~ **пра́во** ҳуқуқини олиб қўймоқ, ҳуқуқдан (ҳуқуқидан) маҳрум қилмоқ; **страх о́тнял у него́ дар ре́чи** даҳшат уни тилдан қолдирди (гунг, тилсиз қилиб қўйди), қўрқувдан (қўрққанидан) у гапиролмай қолди; 3 *что* тортиб олмоқ, ажратмоқ, олиб ташламоқ; нари тортмоқ, олиб қочмоқ; ~ **ру́ку от огня́** қўлни ўтдан нари тортмоқ (олиб қочмоқ); ~ **свире́ль от губ** найни лабдан олмоқ; 4 *что разг.* кесиб олмоқ, кесиб ташламоқ, ампутация қилмоқ; **ему́ о́тняли но́гу** унинг оёғини кесиб ташладилар; 5 *что* олмоқ, банд қилмоқ, ишғол қилмоқ, олиб қўймоқ; **рабо́та отняла́ у нас всё у́тро** иш эрталабки вақтимизни бутунлай банд қилди (эрталабки вақт бутунлай иш билан банд бўлдик); **он о́тнял у меня́ ма́ссу вре́мени** у кўп вақтимни олди (ўғирлади); 6 *что разг.* айирмоқ, олмоқ, олиб (айириб, чиқариб) ташламоқ; **от семи́ ~ пять** еттидан бешни олмоқ (айирмоқ); ✦ ~ **ребёнка от груди́** болани кўкракдан ажратмоқ, эмизмай қўймоқ; **нельзя́ ~ *чего у кого*** эмас деб бўлмайди, йўқ эмас, ...лигини тан олиш керак; **нельзя́ ~ у него́ скро́мности** уни камтар эмас деб бўлмайди.

ОТНЯТЬСЯ, -ни́мется (*несов.* **отнима́ться**) 1 жонсиз (шол) бўлиб қолмоқ, фалаж бўлмоқ; увушиб (қотиб) қолмоқ; 2 *разг.* гунг бўлиб қолмоқ; ғўлдираб қолмоқ; **от стра́ха у меня́ язык отня́лся** қўрққанимдан гунг (тилсиз) бўлиб қолдим (тилим калимага келмай қолди).

ОТО *см.* **от**; ~**сна** уйқудан; **день ~ дня** кундан-кун.

ОТО- *см.* **от-.**

ОТОБЕ́ДА/ТЬ *сов.* 1 тушки овқатни еб бўлмоқ, овқатланиб (обед қилиб) олмоқ (бўлмоқ); **мы уже́ ~ли** биз овқатланиб (обед қилиб) бўлдик; 2 *уст.* кимсаникида меҳмон бўлмоқ, овқатланмоқ; ~**ть у знако́мых** танишларникида овқатланмоқ, меҳмон бўлмоқ.

ОТОБРАЖА́ТЬ *несов. см.* **отобрази́ть.**

ОТОБРАЖА́ТЬСЯ, -а́ется *несов.* 1 *см.* **отобрази́ться**; 2 *страд. от* **отобража́ть.**

ОТОБРАЖЕ́НИ/Е *с* 1 *по гл.* **отобрази́ть** и **отобрази́ться**; **ве́рное ~е действи́тельности** борлиқни тўғри акс эттириш; 2 тасвир, акс, инъикос; **ощуще́ния суть о́бразы или**

www.ziyouz.com kutubxonasi

~я вещей сезги нарсаларнинг образи ёки инъикосидир; **~е в зе́ркале** ойнадаги акс.

ОТОБРАЗИ́ТЬ, -ажу́, -ази́шь *сов.* (*несов.* **отобража́ть**) *кого-что* акс эттирмоқ, тасвирламоқ, гавдалантириб кўрсатмоқ; **~ жизнь в иску́сстве** санъатда ҳаётни акс эттирмоқ; **на карти́не отображён весе́нний лес** картинада баҳорги ўрмон кўрсатилган (акс эттирилган).

ОТОБРАЗИ́ТЬСЯ, -и́тся *сов.* (*несов.* **отобража́ться**) акс этмоқ, тасвирланмоқ, гавдаланмоқ.

ОТОБРА́ТЬ, отберу́, отберёшь *сов.* (*несов.* **отбира́ть**) *кого-что* 1 тортиб олмоқ, олиб қўймоқ; **~ си́лой** куч билан (зўрлаб) тортиб олмоқ; 2 қайтариб (қайтиб) олмоқ; **~ кни́гу, о́тданную на вре́мя** вақтинча берилган китобни қайтариб олмоқ; 3 танламоқ, сайламоқ, сараламоқ; танлаб (сайлаб, саралаб) олмоқ; сархилламоқ; яхши-ёмонни ажратмоқ; **~ спе́лые я́годы** пишган меваларни ажратиб олмоқ; **~ не́сколько цыпля́т** бир неча жўжа танлаб олмоқ; 4 *офиц.* сўраб билмоқ, маълумот тўпламоқ; **~ показа́ния у свиде́телей** гувоҳлардан маълумот олмоқ.

ОТОВА́РИВАТЬ *несов. см.* **отовари́ть.**

ОТОВА́РИТЬ *сов.* (*несов.* **отова́ривать**) *что спец.* бирор нарса эвазига, ҳисобига мол (товар) бермоқ (олмоқ); мол (товар) билан таъминламоқ; **~ сдава́емый хло́пок промы́шленными това́рами** топширилган пахта ҳисобига саноат моллари бермоқ.

ОТОВСЮ́ДУ *нареч.* ҳар ёндан, ҳамма ёқдан, ҳар томондан; **~ слы́шалась му́зыка** ҳамма ёқдан музика (садолари) эшитилар эди; **лю́ди ~ стека́лись в парк** ҳамма ёқдан одамлар паркка оқиб келарди (келмоқда эди).

ОТОГНА́/ТЬ, отгоню́, отго́нишь *сов.* (*несов.* **отгоня́ть**) 1 *кого* ҳайдамоқ, нари кетказмоқ, қувмоқ, қочирмоқ, ҳайдаб юбормоқ; **~ть мух** пашшаларни ҳайдамоқ; **~ть пса от дете́й** итни болалар олдидан ҳайдаб юбормоқ; 2 *что* олиб (ҳайдаб) кетмоқ, тарқатиб юбормоқ, йўқ қилмоқ; **ве́тер ~л облака́** шамол булутларни олиб кетди (тарқатиб юборди); 3 *кого-что с.-х.* ҳайдаб кетмоқ, ҳайдаб олиб бормоқ, чиқармоқ; **ота́ру ~ли на па́стбище** отарни ўтлоққа (яйловга) олиб чиқдилар (кетдилар); 4 *что спец.* ҳайдамоқ (ҳайдаб таркибий қисмларга ажратмоқ); **~ть скипида́р** скипидарни ҳайдамоқ.

ОТОГНУ́ТЬ *сов.* (*несов.* **отгиба́ть**) *что* 1 тўғриламоқ, ёзмоқ; тўғрилаб (ёзиб) қўймоқ; **~ у́гол страни́цы** варақ бурчагини ёзмоқ (ёзиб тўғриламоқ); 2 қайирмоқ, қайтармоқ, букмоқ; қайириб (букиб) қўймоқ; **~ ве́тки е́лей** арча шохларини қайириб қўймоқ; **~ рукава́** енгларни қайирмоқ.

ОТОГНУ́/ТЬСЯ, -нётся *сов.* (*несов.* **отгиба́ться**) 1 ёзилмоқ, тўғриланмоқ; **гвоздь легко́ ~лся** мих осонгина ёзилди (тўғриланди); 2 эгилмоқ, букилмоқ, қайрилмоқ; **у велосипе́да ~лся руль** велосипед рули қайрилиб (эгилиб) қолди.

ОТОГРЕВА́ТЬ *несов. см.* **отогре́ть.**

ОТОГРЕВА́ТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **отогре́ться;** 2 *страд. от* **отогрева́ть.**

ОТОГРЕ́/ТЬ *сов.* (*несов.* **отогрева́ть**) *кого-что* 1 иситмоқ, илитмоқ, қиздирмоқ; **со́лнце ~ло зе́млю** қуёш ерни иситди; **~ть ру́ки у костра́** қўлларни гулханга тоблаб иситмоқ; 2 *перен.* жой бермоқ, паноҳ (бошпана) бермоқ, бағрига олмоқ, меҳр-шафқат қилмоқ; **~ть сироту́** етимга шафқат қилмоқ; етимнинг бошини силамоқ; ✦ **змею́ на груди́ ~ть** ўз қўйнида илон сақламоқ (бировга яхшилик қилиб ёмонлик кўрмоқ).

ОТОГРЕ́/ТЬСЯ *сов.* (*несов.* **отогрева́ться**) исинмоқ, исиниб олмоқ, исимоқ, қизимоқ; **~ться на со́лнышке** офтобда исинмоқ; **земля́ ещё не ~лась** ер ҳали исигани (қизигани) йўқ.

ОТОДВИГА́ТЬ *несов. см.* **отодви́нуть.**

ОТОДВИГА́ТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **отодви́нуться;** 2 *страд. от* **отодвига́ть.**

ОТОДВИ́НУ/ТЬ *сов.* (*несов.* **отодвига́ть**) *что* 1 нарига (ё берига) сурмоқ, суриб (итариб) қўймоқ, силжитмоқ, жойидан жилдирмоқ; **~ть стол** столни сурмоқ (силжитмоқ); **~ть щеко́лду** лўкидонни суриб қўймоқ; **шкаф на́до ~ть к сте́нке** жавонни девор томонга суриб қўйиш керак; 2 *перен. разг.* кейинга қолдирмоқ, кейинга (орқага) сурмоқ, муддатини чўзмоқ; **экза́мены ~ты на́ три дня** имтиҳонлар уч кун кейинга сурилди.

ОТОДВИ́НУ/ТЬСЯ *сов.* (*несов.* **отодвига́ться**) 1 ўрнидан силжимоқ, сурилмоқ, нари кетмоқ (турмоқ); **~ться от окна́** дераза ёнидан жилмоқ (кетмоқ); **~ться наза́д** орқага кетмоқ, орқага сурилмоқ; **отодви́ньтесь, пожа́луйста!** марҳамат қилиб, сал сурилинг!; 2 узоқлашмоқ, нари кетмоқ; **Че́рез три че́тверти часа́ ого́нь ~лся от опу́шки прибли́зительно на полми́ли** (Миклухо-Маклай) Қирқ беш минутда ёнғин ўрмон чеккасидан тахминан ярим милча узоқлашди; 3 *перен. разг.* кейинга қолмоқ (қолдирилмоқ, сурилмоқ); **командиро́вка ~лась на ию́ль** командировка июлга қолди (қолдирилди); **непосре́дственная опа́сность ~лась** бевосита хавф йўқолди (чекинди, даф бўлди).

ОТОДРА́ТЬ, отдеру́, отдерёшь *сов.* 1 (*несов.* **отдира́ть**) *что* кўчирмоқ, қўпормоқ, шилмоқ, кўчириб (шилиб) олмоқ; кўчириб (шилиб) ташламоқ; **~ ста́рые обо́и** эски гулқоғозларни кўчириб (шилиб) ташламоқ; **~ присо́хший би́нт** қуриб ёпишиб қолган бинтни кўчириб олмоқ; 2 *кого разг.* саваламоқ, калтакламоқ; **~ за ша́лости** шўхлик қилгани учун калтакламоқ; 3 *кого разг.* қулоғидан чўзмоқ, қулоғини чўзиб жазоламоқ.

ОТОДРА́/ТЬСЯ, отдерётся *сов.* (*несов.* **отдира́ться**) *прост.* кўчмоқ, кўчиб кетмоқ, шилинмоқ, шилиниб тушмоқ; **подме́тки ~лись** тагчарм кўчиб кетди (тушди).

ОТОЖДЕСТВИ́ТЬ и **ОТОЖЕСТВИ́ТЬ, -влю́, -ви́шь** *сов.* (*несов.* **отождествля́ть** и **отожествля́ть**) *что* бир-бирига тенглаштирмоқ; бир хил (айнан бир) деб қарамоқ, ҳисобламоқ; **~ две ра́зные ве́щи** бошқа-бошқа икки нарсани бир хил деб ҳисобламоқ (бир-бирига тенглаштирмоқ).

ОТОЖДЕСТВЛЕ́НИЕ и **ОТОЖЕСТВЛЕ́НИЕ** *с по гл.* **отождестви́ть** и **отожестви́ть; ~ схо́дных явле́ний** ўхшаш ҳодисаларни бир хил (айнан бир) деб қараш.

ОТОЖДЕСТВЛЯ́ТЬ и **ОТОЖЕСТВЛЯ́ТЬ** *несов. см.* **отождестви́ть.**

ОТОЗВА́НИЕ *с по гл.* **отозва́ть; ~ посла́** элчини чақириб олиш; **~ свои́х депута́тов** ўз депутатларини чақириб олиш (депутатликдан воз кечтириш).

ОТОЗВА́/ТЬ, отзову́, отзовёшь *сов.* (*несов.* **отзыва́ть**) *кого* 1 олдига (бир чеккага ва ҳ. к.) чақирмоқ, чақириб олмоқ; **~ть** *кого-л.* **в сто́рону** кимсани бир чеккага чақириб олмоқ; **~ть соба́ку** кучукни олдига чақириб олмоқ; 2 чақириб олмоқ, қайтариб олмоқ; **~ть ко́нсула** консулни чақириб олмоқ; **~ть** *кого-л.* **из о́тпуска** кимсани отпускадан чақириб олмоқ (қайтармоқ); **~ть иск** даъвони қайтариб олмоқ.

ОТОЗВА/ТЬСЯ, отзову́сь, отзовёшься *сов.* (*несов.* **отзыва́ться**) 1 овоз бермоқ, жавоб бермоқ; жавоб қайтармоқ; **на наш стук никто́ не ~лся** биз эшикни тақиллатдик, лекин ҳеч ким овоз (жавоб) бермади; **~ться на письмо́** хатга жавоб қайтармоқ, жавоб хати ёзмоқ; 2 ўзи ҳақида хат-хабар қилмоқ, дарак бермоқ, хат ёзмоқ; 3 бирор тарзда (бирор иш-ҳаракат билан) жавоб бермоқ; ҳамдамлик (ҳамдардлик) билдирмоқ, меҳрибонлик қилмоқ, мурувват кўрсатмоқ, қўллаб-қувватламоқ; **~ться дове́рием на дове́рие** ишончга ишонч билан жавоб бермоқ; **~ться на призы́в** чақириққа (даъватга) жавоб бермоқ; **~ться на про́сьбу** илтимосини қондирмоқ; 4 *чем в ком-чём* бирор туйғу уйғотмоқ (туғдирмоқ); таъсир қилмоқ; **бо́льно ~ться** оғир таъсир қилмоқ, оғир ботмоқ; **э́то изве́стие ~ло́сь ра́достью в её душе́** бу хабар қиз юрагида шодлик уйғотди; 5 *на ком-чём* таъсир қилмоқ, кор қилмоқ, таъсир кўрсатмоқ; **переме́на кли́мата ~ла́сь на нём благотво́рно** иқлим (ҳаво) алмаштириш унга яхши таъсир кўрсатди; 6 *о ком-чём* фикр (муносабат) билдирмоқ, ўз мулоҳазасини айтмоқ, баҳоламоқ; **~ться отрица́тельно** *о чём-л.* салбий фикр билдирмоқ; ёмон баҳоламоқ; **похва́льно ~ться** *о ком-чём-л.* мақтамоқ, яхши (мақтовли) фикр айтмоқ; **кри́тика незамедли́тельно ~ла́сь о но́вом рома́не** танқидчилик янги роман ҳақида дарҳол фикр (муносабат) билдирди.

ОТОЙТИ́, -йду́, -йдёшь; -ошёл, -ошла́ *сов.* (*несов.* **отходи́ть** I) 1 нари кетмоқ, силжимоқ, жилмоқ, узоқлашмоқ, чиқмоқ; **~ в сто́рону** четга чиқмоқ, ўзини четга олмоқ; **не успе́ли мы ~ от до́ма, как пошёл дождь** уйдан сал нари кетишимиз билан ёмғир бошланди; **~ от больно́го** бемор

www.ziyouz.com kutubxonasi

ёнидан нари кетмоқ (жилмоқ); 2 жўнамоқ, жўнаб кетмоқ, йўлга чиқмоқ, йўлга тушмоқ; **автóбус сейчáс отойдёт** автобус ҳозир жўнайди (йўлга тушади); **пóезд ещё не отошёл** поезд ҳали жўнагани (кетгани) йўқ; 3 чекинмоқ, орқага қайтмоқ; **противник отошёл на исхóдные позúции** душман дастлабки позициясига чекинди (қайтди); **тáнки отошлú за рéку** танклар дарёнинг нариги томонига чекинди; 4 сурилмоқ, айрилмоқ, айрилиб (бурилиб) кетмоқ, айрилиб чиқмоқ; **река́ отошла́ от стáрого рýсла на нéсколько километ́ров** дарё эски ўзанидан бир неча километр сурилди; 5 *перен. от кого-чего* четга чиқмоқ, чекинмоқ, қайтмоқ; узоқлашмоқ; ~ **от тéмы** мавзудан четга чиқмоқ; **худóжник отошёл от оригинáла** рассом оригиналдан узоқлашди (оригиналга ўхшамаган расм солди); ~**от прéжних взглядóв** аввалги қарашларидан чекинмоқ (қайтмоқ); 6 *от кого-чего* ажралмоқ, узоқлашмоқ, бегоналашмоқ, четлашмоқ, ўзини олиб қочмоқ, алоқани узмоқ; чиқмоқ; ~ **от компáнии** улфатларидан ажралмоқ, улфатчиликдан чиқмоқ; ~ **от стáрых друзéй** қадрдон дўстларидан йироқлашмоқ; 7 *от чего* ташламоқ, тарк қилмоқ, барҳам бермоқ, шуғулланмай (қизиқмай) қўймоқ, йиғиштирмоқ, узоқлашмоқ, қайтмоқ; ~ **от всегó** ҳамма нарсадан қайтмоқ; ҳамма нарсани тарк этмоқ; **он совсéм отошёл от литерáтуры** у адабиётдан бутунлай узоқлашиб кетди, у адабиётни бутунлай ташлаб юборди (йиғиштириб қўйди); 8 кўчмоқ, кўчиб тушмоқ, ажралиб кетмоқ; **обóи отошлú** гулқоғозлар кўчиб кетибди; 9 ажралмоқ; ажралиб чиқмоқ, оқиб тамом бўлмоқ; **от творогá отошлá сы́воротка** творогдан зардоб ажралиб чиқди; творогнинг зардоби оқиб битди; 10 кетмоқ, йўқ бўлмоқ; **пятнó отошлó** доғ кетди; 11 тирилмоқ, жонланмоқ, ўз ҳолига келмоқ; **рóзы отошлú** атиргуллар тирилиб қолди; 12 тирилмоқ, жонланмоқ, жон кирмоқ; сезга бошламоқ; **озя́бшие па́льцы отошлú** совқотган бармоқларга жон кирди; 13 ўзига (ҳушига) келмоқ; тузалмоқ, оёққа турмоқ; ~ **пóсле óбморока** беҳушликдан кейин ўзига келмоқ; 14 жаҳлдан тушмоқ, ўзига келмоқ, юмшамоқ; **пóсле ссóры он дóлго не мог** ~ жанжалдан кейин у анча вақт жаҳлидан тушолмади (ўзига келолмади); 15 *кому* или *подо что* ўтмоқ; ихтиёрига (тасарруфига, қўлига) ўтмоқ; **дом отошёл емý по завещáнию** уй васиятга кўра унга ўтди; 16 ўтмоқ, ўтиб кетмоқ, истеъмолдан (оёқдан) қолмоқ, қолиб (йўқ бўлиб) кетмоқ, эскирмоқ; **нáша мóлодость отошлá** ёшлигимиз ўтиб кетди; **лéто ужé отошлó** ёз ҳам ўтиб кетди; **такáя мóда ужé отошлá** бунақа мода аллақачон қолиб кетган (эскирган); **э́тот обы́чай давнó отошёл в прóшлое** бу одат аллақачон йўқ бўлиб кетган; 17 *уст.* ўлмоқ, вафот қилмоқ, оламдан (дунёдан) ўтмоқ, кўз юммоқ; ✦ ~ **в вéчность** 1) дорилфанодан дорилбақога кетмоқ, нариги дунёга кетмоқ, абадий кўз юммоқ; 2) изсиз йўқолиб (йўқ бўлиб) кетмоқ, абадий йўқолмоқ; ~ **в óбласть предáния** унутилиб кетмоқ; ривоятлардагина (афсоналардагина) бор бўлмоқ (сақланиб қолмоқ); ~ **от мúра сегó** *уст.* дорилфанодан дорилбақога жўнамоқ; ~ **ко сну** ухлашга ётмоқ, уйқуга кетмоқ; ~ **на вóлю** *уст.* озод бўлмоқ, қутулмоқ; **сéрдце** (или **от сéрдца**) **отойдёт** (**отошлó**) юракдан чиқди, юрак юмшади.

ОТОМКНУ́ТЬ *сов.* (*несов.* **отмыка́ть**) *что* 1 *уст.* и *прост.* қулфни (ёки қулфини) очмоқ, очиб қўймоқ; ~ **дверь** эшикни (эшикнинг қулфини) очмоқ; ~ **кóмнату** уйни (уйнинг қулфини) очмоқ; ~ **замóк** қулфни очмоқ; ~ **задвúжку** лўкидонни очмоқ; 2 *что* ажратмоқ, чиқармоқ, ажратиб (чиқармоқ) олмоқ; ~ **штык** штикни милтиқдан чиқариб олмоқ; 3 *кого уст.* и *прост.* чиқариб юбормоқ, бўшатмоқ; ~ **плéнного** асирни чиқариб (бўшатиб) юбормоқ.

ОТОМКНУ́/ТЬСЯ *сов.* (*несов.* **отмыка́ться**) *уст.* и *прост.* 1 очилмоқ, қулфи очилмоқ; **дверь** ~**лась** эшик (эшикнинг қулфи) очилди; 2 (ичкаридан) эшикни (эшигини) очмоқ.

ОТОМСТИ́ТЬ, -мщу́, -мсти́шь *сов.* (*несов.* **отомща́ть**) қасос олмоқ, қасд (ўч) олмоқ, аламдан чиқмоқ, қасдини (аламини) олмоқ; қасдини олиб аламдан чиқмоқ; ~ **врагу́** душмандан қасос олмоқ; ~ **за прóлитую кровь** тўкилган қон учун қасос олмоқ, хун олмоқ; ~ **за оскорблéние** ҳақорат учун ўч олмоқ; ~ **оби́ду** *уст.* хафа қилгани (ранжитгани) учун қасдини олиб аламдан чиқмоқ.

ОТОМЩА́ТЬ *несов. см.* **отомсти́ть.**

ОТОПИ́ТЕЛЬН/ЫЙ, **-ая**, **-ое** иситадиган, иситувчи; иситиш...; ~**ый котёл** иситиш қозони; ~**ый сезóн** иситиш мавсуми; ~**ая систéма** иситиш системаси.

ОТОПИ́ТЬ, **-оплю́**, **-о́пишь** *сов.* (*несов.* **ота́пливать**) *что* иситмоқ, илитмоқ; ~ **помещéние** бинони иситмоқ.

ОТОПЛЕ́НИ/Е *с* 1 *по гл.* **отопи́ть**; ~**е дóма** уйни иситиш; 2 иситиш қурилмаси (ёки системаси); иситкич; **водяно́е** ~**е** сувли иситкич; сув билан иситиш системаси; **га́зовое** ~**е** газли иситкич, газ билан иситиш системаси; **печно́е** ~**е** печкали иситкич, печка билан иситиш; **центра́льное** ~**е** марказлашган иситиш системаси; **ремóнт** ~**я** иситиш системасининг ремонти; **систéма** ~**я** иситкич (иситиш) системаси.

ОТОПЛЯ́ТЬ *несов. то же, что* **ота́пливать.**

ОТОПТА́ТЬ, **-опчу́**, **-о́пчешь** *сов.* (*несов.* **ота́птывать**) *то же, что* **обтопта́ть.**

ОТОРАЧИВА́ТЬ *несов. см.* **оторочи́ть.**

ОТОРВА́ННОСТЬ *ж* ажралганлик, узилганлик, ажралиб қолганлик, узоқлашиб кетганлик; ажратилганлик, боғланишсизлик; ~ **от людéй** одамлардан ажралиб қолганлик; ~ **от действи́тельности** борлиқдан (ҳаётдан) узоқлашганлик (ажралиб қолганлик).

ОТОРВА́/ТЬ *сов.* (*несов.* **отрыва́ть** I) 1 *что* узмоқ, узиб олмоқ; узиб юбормоқ; ~**ть ни́тку** ипни узмоқ (узиб юбормоқ); ипдан узиб олмоқ; ~**ть пу́говицу** тугмани узиб олмоқ, тугмани узиб юбормоқ; 2 *безл.* кесмоқ, узмоқ, узиб кетмоқ, олиб кетмоқ; **Была́ бро́шена бóмба, взры́вом её** ~**ло но́гу** ***кóнному полицéйскому*** (М. Горький) Бомба ташланган эди, у портлаб отлиқ полициячининг оёғини олиб кетди; 3 *кого-что* ажратмоқ, ажратиб олмоқ; узмоқ; **так вцепи́лся, что не оторвёшь** шундай ёпишиб (хиппа бўғиб) олганки, ажратиб бўлмайди; ~**ть проти́вника от земли́** рақибни ердан узмоқ (даст, азот кўтармоқ); 4 *перен. что* узмоқ, ажратмоқ, бошқа ёққа бурмоқ; қаратмоқ; ~**ть мысль от бу́дничных забóт** хаёлни кундалик ташвишлардан бошқа ёққа бурмоқ; **он не мог** ~**ть глаз от карти́ны** у расмдан кўз узолмас эди; 5 *кого* айирмоқ, ажратмоқ, ажратиб юбормоқ, жудо қилмоқ, маҳрум этмоқ; ~**ть дете́й от роди́телей** болаларни ота-онасидан айирмоқ; 6 *что* узмоқ, ажратмоқ, узиб (ажратиб) қўймоқ, узоқлаштирмоқ; боғланишсиз қилиб қўймоқ; 7 *кого от чего* чалғитмоқ, алахситмоқ, қолдирмоқ; ~**ть от рабóты** ишдан қолдирмоқ (алахситмоқ); **он** ~**л меня́ от заня́тий** у мени машғулотдан қолдирди; **его́ не оторвёшь от кни́ги** уни китобдан айириб бўлмайди; у китобдан бош кўтармайди; ✦ ~**ть от себя́** ўзини маҳрум қилмоқ, кимса учун нафсни тиймоқ, ўз нафсидан кечмоқ; **с рукáми** ~**ть** *прост.* жон-жон деб олмоқ, икки қўллаб олмоқ.

ОТОРВА́/ТЬСЯ *сов.* (*несов.* **отрыва́ться** 1) 1 *от кого* узилмоқ, узилиб кетмоқ, узилиб тушмоқ, бўшалиб (узиб) кетмоқ; **пу́говица** ~**ла́сь** тугма узилиб кетди; **листóк** ~**лся от ве́тки** барг шохидан узилиб тушди; **соба́ка** ~**ла́сь от при́вязи** ит боғидан бўшалиб кетди (боғини узиб кетди); 2 *от кого-чего* узилмоқ, ажралмоқ, узоқлашмоқ, нари кетмоқ, қочмоқ; ~**ться от земли́** ердан узилмоқ (кўтарилмоқ); ~**ться от сте́ны** девордан узилмоқ (нари кетмоқ, қочмоқ); ~**ться от проти́вника** душмандан узоқлашмоқ; 3 *от кого-чего* анча ўтиб (ўзиб) кетмоқ, орқада қолдириб кетмоқ; **у фи́ниша бегу́н** ~**лся от сопéрников** югурувчи финишда рақибларидан анча ўзиб (ўтиб) кетди; 4 *перен. от кого-чего* ажралмоқ, ажралиб қолмоқ; узоқлашмоқ; алоқани узиб қўймоқ; ~**ться от масс** оммадан ажралмоқ; ~**ться от семьи́** оиладан узоқлашмоқ; 5 *от чего* қўймоқ, алахсимоқ, узоқлашмоқ, тарк этмоқ, йиғиштириб қўймоқ, ажралмоқ; ~**ться от рабóты** ишдан алахсимоқ (қўли бўшамоқ); **оторви́сь на мину́тку от кни́ги!** бир минутга китобингни қўй!; 6 *от чего* кўз узмоқ; **посети́тели не могли́** ~**ться от карти́ны** томошабинлар расмдан кўз узолмас эдилар; ✦ **сéрдце** ~**лось или** ~**лось в сéрдце (в груди́)** *у кого* юраги ёрилай деди, **юраги ёрилгудек бўлди, юраги чиқиб кетди.**

www.ziyouz.com kutubxonasi

ОТОРОПЕ́ЛО *нареч. разг.* шошиб (донг) қолиб, саросимага тушиб, довдираб, саросимада; ~ **смотре́ть по сторона́м** саросимада (саросима билан) атрофга қарамоқ.

ОТОРОПЕ́ЛЫЙ, -ая, -ое *разг.* шошиб (донг) қолган, саросимага тушган, довдираган, ўзини йўқотган; ~ **вид** шошган (довдираган) кўриниш.

ОТОРОПЕ́ТЬ *сов. разг.* шошиб (довдираб, эсанкираб) қолмоқ, донг қолмоқ, саросимага тушмоқ, ўзини йўқотмоқ; ~ **от неожи́данности** кутилмаган ҳодисадан (ҳолдан) довдираб қолмоқ; ~ **от стра́ха** қўрққанидан довдираш, саросимага тушмоқ.

ОТОРО́ПЬ *ж разг.* шошиб (довдираб, эсанкираб) қолган ҳолат, саросималик, довдираш, эсанкираш, шошиб (донг) қолиш; **на него́ нашла́** ~ у шошиб (довдираб) қолди; у саросимага тушди (нима қиларини билмай қолди); ~ **берёт** шошиб (довдираб) қолмоқ.

ОТОРОЧИ́ТЬ *сов.* (*несов.* **отора́чивать**) *что* четига (атрофига) жияк (уқа, адип ва ҳ. к.) тутмоқ, адипламоқ; ~ **ме́хом** четига (атрофига) мўйна тутмоқ.

ОТОРО́ЧКА *ж, р. мн.* **-чек** ҳошия, уқа, жияк, адип; **ба́рхатная** ~ бархит ҳошия, духоба адип.

ОТОСКЛЕРО́З *м мед.* отосклероз (қулоқ склерози).

ОТОСКО́П *м мед.* отоскоп (қулоқни кўрадиган асбоб).

ОТОСЛА́ТЬ, -ошлю́, -ошлёшь *сов.* (*несов.* **отсыла́ть**) 1 *что* юбормоқ, жўнатмоқ, йўлламоқ; ~ **письмо́** хат юбормоқ (жўнатмоқ); ~ **по по́чте** почта орқали (билан) юбормоқ; **отошли́ ему́ кни́ги** унга китоблар юбор; 2 *кого уст.* юбормоқ, жўнатмоқ, йўлламоқ; ~ **с поруче́нием** топшириқ билан юбормоқ; 3 *кого-что* юбормоқ, кеткизиб (ёки жўнатиб, рухсат бериб, чиқариб, ҳайдаб) юбормоқ, чиқармоқ; ҳайдамоқ; жўнатмоқ; ~ **детей спать** болаларни ухлашга юбормоқ (ухлагани ҳайдамоқ); **маши́ну мо́жно** ~ машинани жўнатиб юбориш мумкин; 4 *кого* ҳавола қилмоқ, мурожаат қилдирмоқ, йўлламоқ; ~ **чита́теля к первоисто́чникам** ўқувчини бош (биринчи) манбаларга ҳавола қилмоқ; ўқувчига (биринчи) илк манбаларга мурожаат қилишни тавсия этмоқ.

ОТОСПА́ТЬСЯ, -плю́сь, -пи́шься *сов.* (*несов.* **отсыпа́ться** II) *разг.* тўйиб (тиниқиб, мириқиб) ухламоқ, уйқуга тўймоқ (қонмоқ), ухлаб тиниқиб олмоқ; ~ **по́сле дежу́рства** дежурликдан кейин ухлаб олмоқ; **тебе́ необходи́мо** ~ тиниқиб ухлашинг керак, ухлаб тиниқиб олишинг керак.

ОТОХО́ТИТЬ, -о́чу, -о́тишь *сов. кого разг.* одатини ташлатмоқ, ҳафсаласини ўлдирмоқ, зада қилмоқ, совутмоқ, бездирмоқ; ~ **от игр** ўйинларга ҳафсаласини ўлдирмоқ, ўйинлардан совутмоқ; ~ **от ле́ни** дангасалик одатини (дангасаликни) ташлатмоқ.

ОТОЩА́ЛЫЙ, -ая, -ое *разг.* жуда ориқ, озғин, озган, ориқлаган, ориқлаб (озиб-тўзиб) кетган, қуруқ силласи қолган, рамақижон; ~ **щено́к** жуда ориқ кучук бола.

ОТОЩА́ТЬ *сов.* жуда озмоқ, ориқлаб (озиб-тўзиб) кетмоқ, рамақижон бўлиб қолмоқ.

ОТПАДА́НИЕ *с по гл.* **отпада́ть**; ~ **штукату́рки** сувоқнинг кўчиб тушиши.

ОТПАДА́ТЬ *несов. см.* **отпа́сть.**

ОТПАДЕ́НИЕ *с по гл.* **отпа́сть**; ~ **листвы́** баргларнинг тўкилиши (тўкилиб тушиши); ~ **от капиталисти́ческой систе́мы** капиталистик системадан ажралиб чиқиш.

ОТПА́ИВАНИЕ I *с по гл.* **отпа́ивать** I.

ОТПА́ИВАНИЕ II *с по гл.* **отпа́ивать** II; ~ **проводо́в** симларнинг кавшарини эритиб узиш (ажратиш).

ОТПА́ИВАТЬ I *несов. см.* **отпои́ть.**

ОТПА́ИВАТЬ II *несов. см.* **отпая́ть.**

ОТПА́ИВАТЬСЯ I, -ается *несов. страд. от* **отпа́ивать** I.

ОТПА́ИВАТЬСЯ II, -ается *несов.* 1 *см.* **отпая́ться**; 2 *страд. от* **отпа́ивать** II.

ОТПА́РИВАТЬ *несов. см.* **отпа́рить.**

ОТПАРИ́РОВАТЬ *сов. что* 1 қайтармоқ, даф қилмоқ; ~ **уда́р** зарбани қайтармоқ; 2 *перен.* рад қилмоқ, қайтармоқ, остин-устин қилиб ташламоқ, пучга чиқармоқ; ~ **до́воды кри́тика** мунаққиднинг далилларини рад қилмоқ (пучга чиқармоқ).

ОТПА́РИТЬ *сов.* (*несов.* **отпа́ривать**) *что* 1 ҳўл латта қўйиб дазмолламоқ; ~ **брю́ки** шимни ҳўл латта қўйиб дазмолламоқ; 2 буғлаб (буғ билан намлаб, намиқтириб) кўчирмоқ (кўчириб олмоқ, туширмоқ); ~ **ма́рку от конве́рта** конвертни буғлаб маркасини кўчирмоқ.

ОТПА́РЫВАТЬ *несов. см.* **отпоро́ть** I.

ОТПА́РЫВАТЬСЯ, -ается *несов.* 1 *см.* **отпоро́ться**; 2 *страд. от* **отпа́рывать.**

ОТПА́/СТЬ, -адёт *сов.* (*несов.* **отпада́ть**) 1 кўчмоқ, ажралмоқ; кўчиб (ажралиб) кетмоқ, кўчиб тушмоқ; **штукату́рка** ~**ла** сувоқ кўчиб тушди (тушибди); 2 тўкилмоқ, тўкилиб кетмоқ (тушмоқ); **листва́** ~**ла** барглар тўкилиб тушди; 3 *перен.* алоқани узмоқ, узоқлашмоқ, **узилмоқ, чиқиб** кетмоқ; ~**сть от компа́нии** компаниядан (улфатчиликдан) чиқиб кетмоқ; 4 йўқолмоқ, йўқ бўлмоқ, ўлмоқ; **у меня́** ~**ло жела́ние** иштиёқим йўқолди (қолмади); **ҳафсалам** пир бўлди (ўлди); **у него́** ~**ла охо́та чита́ть** унинг ўқишга иштиёқи (ҳаваси) қолмади; 5 бекор бўлмоқ, кучдан қолмоқ, тушиб қолмоқ; **вопро́с** ~**л** саволга ўрин қолмади; масала тушиб қолди (ҳал бўлди); **обвине́ние** ~**ло** айблов бекор бўлди (бекор қилинди).

ОТПАХА́/ТЬ, -пашу́, -па́шешь *сов.* 1 бирор муддат ер ҳайдамоқ, ер ҳайдаб ўтказмоқ; ~**ть два дня** икки кун ер ҳайдамоқ, ер ҳайдаб икки кунни ўтказмоқ; 2 *что* и *без доп.* ер ҳайдашни тугатмоқ; ер ҳайдашдан қутулмоқ; ~**ть за неде́лю** ерларни бир ҳафтада ҳайдаб бўлмоқ; **на юге колхо́зы уже́** ~**ли** жанубдаги колхозлар ерларини ҳайдаб бўлдилар (ер ҳайдашдан қутулдилар).

ОТПА́ХИВАТЬ *несов. см.* **отпахну́ть.**

ОТПА́ХИВАТЬСЯ, -ается *несов.* 1 *см.* **отпахну́ться**; 2 *страд. от* **отпа́хивать.**

ОТПАХНУ́/ТЬ *сов.* (*несов.* **отпа́хивать**) *что* 1 силтаб қайтармоқ, очмоқ, қайтариб очиб қўймоқ; ~**ть занаве́ску** пардани силтаб очмоқ, қайтариб қўймоқ; 2 *уст.* шиддат билан очмоқ, очиб юбормоқ; **ве́тер** ~**л окно́** шамол дераза ни очиб юборди.

ОТПАХНУ́/ТЬСЯ, -нётся *сов.* (*несов.* **отпа́хиваться**) қайтарилиб (кўтарилиб) кетмоқ, очилиб қолмоқ; **пола́ пальто́** ~**лась** пальтонинг этаги (барлари) қайтарилиб (кўтарилиб) кетди.

ОТПАЯ́ТЬ *сов.* (*несов.* **отпа́ивать** II) *что тех.* кавшарини эритиб кўчирмоқ, узмоқ, ажратмоқ; ~ **ру́чку кастрю́ли** кавшарини эритиб кастрюль қулоғини ажратмоқ.

ОТПАЯ́/ТЬСЯ, -я́ется *сов.* (*несов.* **отпа́иваться** II) кўчмоқ, кўчиб кетмоқ, кавшарланган жойидан ажралиб чиқмоқ; **у ча́йника** ~**лся но́сик** чойнакнинг бурни кўчиб тушди.

ОТПЕВА́НИЕ *с церк.* 1 *по гл.* **отпева́ть**; ~ **поко́йника** (марҳумга) жаноза ўқиш; 2 жаноза.

ОТПЕВА́ТЬ *несов. см.* **отпе́ть** 3.

ОТПЕРЕ́ТЬ, отопру́, отопрёшь; о́тпер, -ла́, -ло *сов.* (*несов.* **отпира́ть**) 1 *что* очмоқ (қулфни, қулфланган нарсани); ~ **замо́к** қулфни очмоқ; ~ **дверь** эшикни, эшик (қулфини) очмоқ; 2 *кого* чиқариб юбормоқ, озод қилмоқ (уйдан, қамоқдан).

ОТПЕРЕ́ТЬСЯ, отопру́сь, отопрёшься; отпёрся, -ла́сь *сов.* (*несов.* **отпира́ться**) 1 очилмоқ, очилиб кетмоқ; **окно́ отперло́сь** дераза очилди (очилиб кетди); 2 *разг.* эшигини очмоқ, эшигини очиб йўл бермоқ; 3 *разг.* тонмоқ, қайтмоқ, инкор этмоқ, тан (бўйнига) олмаслик, иқрор бўлмаслик; ~ **от свои́х слов** ўз сўзидан қайтмоқ (тонмоқ); ўз сўзини тан олмаслик,, ўз сўзига иқрор бўлмаслик.

ОТПЁТ/ЫЙ, -ая, -ое *разг.* 1 *прич. от* **отпе́ть**; 2 *в знач. прил.* одамгарчиликдан чиққан, тамом бўлган; ~**ый челове́к** одамгарчиликдан чиққан одам, тамом бўлган одам; 3 *в знач. прил.* ўтакетган, уччига чиққан, тузалмайдиган, ашадди; ~**ый негоди́й** уччига чиққан ярамас; 4 қўрқмас, тап тортмас, ўт. олов; ~**ый нае́здник** қўрқмас чавандоз; ~**ая голова́** тап тортмайдиган киши.

ОТПЁ/ТЬ, -пою́, -поёшь *сов.* 1 ашула (қўшиқ) айтиб бўлмоқ, куйлаб бўлмоқ; сайраб бўлмоқ; куйлашдан (ёки сайрашдан) тўхтамоқ; **соловьи́** ~**ли** булбуллар сайраб бўлди; 2 ибодат қилиб (ибодатни ўқиб) бўлмоқ; 3 (*несов.* **отпева́ть**) *церк.* жанозасини ўқимоқ; ~**ть поко́йника** марҳумнинг жанозасини ўқимоқ.

ОТПЕЧА́ТА/ТЬ *сов. что* 1 (*несов.* **отпеча́тывать**) босмоқ, босиб чиқармоқ, чоп қилмоқ, эълон қилмоқ; ~**ть кни́гу** китобни чоп этмоқ; китобни босиб чиқармоқ; 2 (*несов.* **отпеча́тывать**) босмоқ, ёзмоқ, кўчирмоқ (машинкада); ~**ть**

www.ziyouz.com kutubxonasi

статью́ на маши́нке мақолани машинкада босмоқ (ёзмоқ); 3 (*несов.* **отпеча́тывать**) *фото* кўчирмоқ, кўчириб олмоқ, кўчириб бўлмоқ (негативдан); 4 *также без доп. разг.* босиб (чоп қилиб) бўлмоқ, батамом босиб бўлмоқ (чиқармоқ); **тира́ж ~ и** тираж батамом босиб бўлинди; 5 (*несов.* **отпеча́тывать**) печатини бузиб очмоқ; **~ ть ко́мнату** печатланган уйни очмоқ; 6 (*несов.* **отпеча́тывать**) из қолдирмоқ, изи қолмоқ (тушмоқ); **свéжие следы́, ~нные на песке́** қумга тушиб қолган янги излар; 7 (*несов.* **отпеча́тывать**) *перен. также без доп. разг.* чертиб-чертиб (дона-дона қилиб) гапирмоқ; бурро-бурро айтмоқ.

ОТПЕЧА́ТА/ТЬСЯ, -ается *сов.* (*несов.* **отпеча́тываться**) 1 из қолдирмоқ; изи тушиб қолмоқ; **на стекле́ ~лись па́льцы младе́нца** ойнада боланинг бармоқ излари тушиб қолибди; 2 *перен.* намоён бўлмоқ, кўринмоқ, акс этмоқ; **на его́ лице́ ~лась доса́да** унинг юзида ачиниш (таассуф) аломати кўринарди; 3 *перен.* тасаввур қолдирмоқ, хотирада қолмоқ (сақланмоқ); **таки́м оте́ц и ~лся в мое́й па́мяти** отам менинг хотирамда шундай тасаввур қолдирган.

ОТПЕЧА́ТЛЕВАТЬСЯ, -а́ется *несов. см.* **отпечатле́ться.**

ОТПЕЧА́ТЛЕТЬСЯ, -е́ется *сов.* (*несов.* **отпечатлева́ться**) *уст.* 1 из қолдирмоқ, изи қолмоқ; 2 *перен.* акс этмоқ, таъсири қолмоқ, из қолдирмоқ.

ОТПЕ́ЧАТ/ОК *м, р.* **-тка** 1 из, тамға; **снять ~ки па́льцев** бармоқлар изини олмоқ; 2 *перен.* асар, таъсир; аломат, из; **~ок боле́зни касаллик таъсири (асари); Постоя́нная напряжённость кладёт свой ~ок на ли́ца рабо́чих...** (Серафимович) Доимий танглик ишчиларнинг юзида ўз аксини қолдиради.

ОТПЕЧА́ТЫВАТЬ *несов. см.* **отпеча́тать.**

ОТПЕЧА́ТЫВАТЬСЯ, -ается *несов.* 1 *см.* **отпеча́таться;** 2 *страд. от* **отпеча́тывать.**

ОТПИВА́ТЬ *несов. см.* **отпи́ть** 1.

ОТПИ́ЛИВАТЬ *несов. см.* **отпили́ть.**

ОТПИЛИ́ТЬ, -пилю́, -пи́лишь *сов.* (*несов.* **отпи́ливать**) *что* арраламоқ, арра билан кесиб олмоқ; арралаб ташламоқ; **~ ве́тви то́поля** терак шохларини арралаб ташламоқ.

ОТПИРА́ТЕЛЬСТВО *с* тониш, инкор қилиш, тониб (инкор қилиб) туриб олиш, бўйнига олмаслик.

ОТПИРА́ТЬ *несов. см.* **отпере́ть.**

ОТПИРА́ТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **отпере́ться;** 2 *страд. от* **отпира́ть.**

ОТПИРОВА́ТЬ, -ру́ю, -ру́ешь *сов. разг.* 1 *что* и *без доп.* зиёфат (базм-томоша) билан ўтказмоқ, тўй-томоша қилмоқ; **~ сва́дьбу** тўйни базм-томоша билан ўтказмоқ; тўйда ўйнаб-кулмоқ; 2 тўйни тамомламоқ; зиёфатдан қутулмоқ.

ОТПИСА́/ТЬ, -ишу́, -и́шешь *сов.* 1 (*несов.* **отпи́сывать**) *уст. что* хатламоқ, хатга олмоқ, хатга олиб, мусодара қилмоқ; **~ть дом** уйни хатга олиб мусодара қилмоқ; 2 (*несов.* **отпи́сывать**) *кого-что уст.* и *прост.* васият қилмоқ, мерос қилиб қолдирмоқ, кимсанинг номига ёзиб қолдирмоқ; 3 (*несов.* **отпи́сывать**) *кого уст.* бошқа жойга ишга ўтказмоқ (кўчирмоқ, юбормоқ); 4 (*несов.* **отпи́сывать**) *уст.* и *прост.* жавоб ёзиб юбормоқ, жавоб қайтармоқ, хатда ёзмоқ (хабар қилмоқ); 5 *разг.* ёзиб бўлмоқ, ёзишни тамомламоқ.

ОТПИСА́/ТЬСЯ, -ишу́сь, -и́шешься *сов.* (*несов.* **отпи́сываться**) *разг.* қуруқ расмиятчилик билан кифояланмоқ; расмият учун ёзмоқ; **на на́ше предложе́ние они́ то́лько ~лись** улар бизнинг таклифимизга расмият учун қуруқ хат ёзиш билан кифояландилар.

ОТПИ́СК/А *ж, р. мн.* **-сок** қуруқ жавоб, формал (расмиятчилик учун ёзилган) хат, қуруқ расмиятчилик; **канцеля́рская ~а** баъзи идораларга хос қуруқ расмиятчилик; **отде́латься ~ой** (қуруқ) хат ёзиб юбориш (расмиятчилик) билан қутулмоқ.

ОТПИ́СЫВАТЬ *несов. см.* **отписа́ть** 1—4.

ОТПИ́СЫВАТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **отписа́ться;** 2 *страд. от* **отпи́сывать.**

ОТПИ́ТЬ, отопью́, отопьёшь *сов.* 1 (*несов.* **отпива́ть**) *что* и *чего* бир оз ичмоқ, ичиб кўрмоқ, ҳўпламоқ; **~ глото́к воды́** бир қултум сув ичмоқ; сувдан бир қултум ҳўпламоқ; 2 *что* и *без доп. разг.* ичиб бўлмоқ; **ичиб тамомламоқ.**

ОТПИ́ХИВАТЬ *несов. см.* **отпихну́ть.**

ОТПИ́ХИВАТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **отпихну́ться;** 2 *страд. от* **отпи́хивать.**

ОТПИХНУ́ТЬ *сов.* (*несов.* **отпи́хивать**) *кого-что разг.* итариб юбормоқ, туртиб юбормоқ, итариб (суриб) қўймоқ; **~ ло́дку от бе́рега** қайиқни қирғоқдан итариб юбормоқ; **~ стул** стулни суриб қўймоқ (итариб юбормоқ).

ОТПИХНУ́ТЬСЯ *сов.* (*несов.* **отпи́хиваться**) *разг.* бирор нарсага тираниб (тираб) нари кетмоқ, нари сурилмоқ; **~ весло́м от бе́рега** эшкакни тираб қирғоқдан нари кетмоқ (узоқлашмоқ).

ОТПЛА́ТА *ж* қаримта қайтариш, қилмишига яраша иш (хизмат) қилиш, жавоб бериш; қаримта; **~ за услу́гу** хизматига яраша хизмат қилиш; хизматига яраша хизмат (жавоб).

ОТПЛАТИ́ТЬ, -ачу́, -а́тишь *сов.* (*несов.* **отпла́чивать**) 1 *кому чем* қаримта қайтармоқ, қилмишига яраша иш (хизмат) қилмоқ; жавоб бермоқ; **~ за гостеприи́мство** меҳмондўстлигига яраша иш (хизмат) қилмоқ; 2 *кому* ўч олмоқ, қасос олмоқ, аламини олмоқ; ўч олиб аламдан чиқмоқ; **~ врагу́** душмандан қасос олмоқ; **~ за все страда́ния** ҳамма аламлари учун ўч олмоқ; ✦ **~ той же моне́той** яхшиликка яхшилик, ёмонликка ёмонлик қилмоқ.

ОТПЛА́ЧИВАТЬ *несов. см.* **отплати́ть.**

ОТПЛЁВЫВАТЬ *несов. см.* **отплю́нуть.**

ОТПЛЁВЫВАТЬСЯ *несов. разг.* 1 *см.* **отплю́нуться;** 2 тупурмоқ, туф демоқ (нафрат, жирканиш ва ҳ. к. ни ифодалаш учун); 3 *страд. от* **отплёвывать.**

ОТПЛЕСКИВАТЬ *несов. см.* **отплесну́ть.**

ОТПЛЕСНУ́/ТЬ *сов.* (*несов.* **отплёскивать**) 1 қайтиб кетмоқ, орқасига қайтмоқ; **волна́ набежа́ла на бе́рег и ~ла** тўлқин қирғоққа урилиб қайтди; 2 *что* и *чего разг.* чайқатиб тўкиб юбормоқ, чайқатиб бир оз тўкмоқ; **~ть воды́ из ведра́** пақирдаги сувни чайқатиб тўкиб юбормоқ.

ОТПЛЕСТИ́, -лету́, -летёшь; -ёл, -ела́ *сов.* 1 (*несов.* **отплета́ть**) *что* ечиб олмоқ, ечиб юбормоқ, чуватмоқ (ўрилган нарсани); **~ ко́сы** ўрилган сочни (кокилларни) ечмоқ; 2 *разг.* ўриб (тўқиб) бўлмоқ, ўришни (тўқишни) тамомламоқ.

ОТПЛЕСТИ́СЬ, -летётся; -ёлся, -ела́сь *сов.* (*несов.* **отплета́ться**) ечилмоқ, ечилиб кетмоқ, чувалмоқ (ўрилган, тўқилган нарсалар ҳақида).

ОТПЛЕТА́ТЬ *несов. см.* **отплести́** 1.

ОТПЛЕТА́ТЬСЯ, -а́ется *несов.* 1 *см.* **отплести́сь;** 2 *страд. от* **отплета́ть.**

ОТПЛЫВА́ТЬ *несов. см.* **отплы́ть.**

ОТПЛЫТИЕ *с* жўнаш, жўнаб кетиш, йўлга чиқиш (кема ҳақида); **~ корабля́** кеманинг жўнаб кетиши.

ОТПЛЫ/ТЬ, -ыву́, -ывёшь *сов.* (*несов.* **отплыва́ть**) 1 сузиб кетмоқ; сузиб қирғоқдан қанчадир узоқлашмоқ; **мы ~ли киломе́тров два́дцать** биз ўн километрча сузиб кетдик; 2 жўнамоқ, жўнаб кетмоқ; йўлга чиқмоқ (кема ҳақида); **теплохо́д то́лько что ~л** теплоход ҳозиргина жўнаб кетди.

ОТПЛЮНУТЬ *сов.* (*несов.* **отплёвывать**) *что* и *без доп. разг.* тупурмоқ, тупуриб (туплаб) ташламоқ; **~ шелуху́ се́мечек** пистачка пўчоғини тупуриб ташламоқ.

ОТПЛЮНУ/ТЬСЯ *сов.* (*несов.* **отплёвываться** 1) *разг. то же, что* **отплю́нуть; стари́к ~лся и вы́тер гу́бы** чол тупуриб, лабини артди.

ОТПЛЯСА́ТЬ *сов.* 1 (*несов.* **отпля́сывать**) *что* ўйнаб бермоқ, ўйинга тушиб бермоқ, бирор рақсни ижро этмоқ; **~ ру́сскую** русча рақсни ўйнаб бермоқ; 2 ўйнаб бўлмоқ, ўйинга тушиб бўлмоқ; 3 (*несов.* **отпля́сывать**) *что* ўйинга тушиб (ўйнайверіб) чарчатмоқ (оғритмоқ, ҳоритмоқ); **~ себе́ но́ги** ўйнайверіб оёқларини оғритмоқ (оёқдан қолмоқ).

ОТПЛЯСЫВА/ТЬ *несов.* 1 *см.* **отпляса́ть** 1, 3; 2 *разг.* завқ билан ўйнамоқ, берилиб ўйинга тушмоқ; **молодёжь ~ла андижа́нскую по́льку** ёшлар завқ билан андижон полкасига тушишарди (тушмоқда эди).

ОТПОВЕДЬ *ж* кескин (қаттиқ) жавоб, қаттиқ танбеҳ, кучли эътироз, қақшатқич зарба, раддия, рад жавоби; **достойная ~ клеветнику́** туҳматчига муносиб жавоб (қаттиқ танбеҳ); **дать ре́зкую ~** қаттиқ жавоб (қақшатқич зарба) бермоқ.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ОТПОИ́ТЬ *сов.* (*несов.* **отпа́ивать** I) *кого* 1 сут (атала, буламиқ ва ш. к.) бериб боқмоқ (катта қилмоқ ёки семиртирмоқ); ~ **телёнка** бузоқни сут (атала, бўламиқ ва ш. к.) бериб катта қилмоқ; 2 *разг.* дори-дармон ичириб тузатмоқ (оёққа турғизмоқ, соғлиғини яхшиламоқ).

ОТПОЛА́СКИВАТЬ *несов. см.* **отполоска́ть.**

ОТПОЛАСКИВА́ТЬСЯ, -ается *несов.* 1 *см.* **отполоска́ться;** 2 *страд. от* **отпола́скивать.**

ОТПОЛЗА́ТЬ *несов. см.* **отползти́.**

ОТПОЛЗТИ́, -зу́, -зёшь; -о́лз, -олзла́ *сов.* (*несов.* **отполза́ть**) ўрмалаб нари кетмоқ, судралиб бирор жойгача бормоқ (етмоқ), эмаклаб сурилмоқ; ~ **в сто́рону** эмаклаб четга ўтмоқ (чиқмоқ); ~ **в у́гол** судралиб бурчакка бормоқ, ўрмалаб бурчакка етмоқ.

ОТПОЛИРОВА́ТЬ, -ру́ю, -ру́ешь *сов.* 1 (*несов.* **отполи́ровывать**) *что* жило (сайқал) бермоқ; сайқал бериб ялтиратмоқ; ~ **мра́мор** мармарни сайқал бериб ялтиратмоқ; мармарга жило бермоқ; 2 ялаб (ялайвериб, урилаверіб) силлиқлаб юбормоқ; **скала́, отполи́рованная прибо́ем** тўлқин урилаверіб силлиқланган қоя.

ОТПОЛИ́РОВЫВАТЬ *несов. см.* **отполирова́ть.**

ОТПОЛИ́РОВЫВАТЬСЯ, -ается *несов.* 1 *см.* **отполирова́ться;** 2 *страд. от* **отполи́ровывать.**

ОТПОЛОСКА́ТЬ, -лощу́, -ло́щешь *сов. что* (*несов.* **отпола́скивать**) 1 *что* чаймоқ, чайиб олмоқ, чайқаб ташламоқ; ~ **рубашки** кўйлакларни чайиб олмоқ; 2 *что* и *без доп. разг.* чайиб (чайқаб) бўлмоқ, чайиб (чайишни) тамомламоқ.

ОТПОЛОСКА́/ТЬСЯ, -лощу́сь, -ло́щешься *сов.* 1 (*несов.* **отпола́скиваться**) *разг.* чайилмоқ, ювилмоқ, тозаланмоқ; **бельё хорошо́ ~лось** кир яхши чайилди; 2 *прост.* чайиб (чайқаб) бўлмоқ; 3 *прост.* чайиниб олмоқ, чайиниб бўлмоқ.

ОТПОЛОСОВА́ТЬ, -су́ю, -су́ешь *сов. кого прост.* саваламоқ, қамчиламоқ, савалаб этини парпаша (ёки момоталоқ) қилмоқ; ~ **кнуто́м** қамчи билан саваламоқ; қамчилаб этини парпаша қилмоқ.

ОТПО́Р *м* 1 қарши зарба, қаршилик; қарши зарба бериш, қайтариш, даф қилиш; **дать ~ врагу́** душманга қарши зарба бермоқ; душманни қаршилик кўрсатиб қайтармоқ; 2 *перен.* қарши (муқобил, муносиб) жавоб, қаршилик қилиш (кўрсатиш), қарши чиқиш, рад этиш, чиппакка чиқариш; **дать ~ наглецу́** сурбетларга муқобил (муносиб) жавоб бермоқ; **встре́тить ~** қаршиликка учрамоқ.

ОТПОРО́ТЬ I, -орю́, -о́решь *сов.* (*несов.* **отпа́рывать**) *что* сўкмоқ, сўтмоқ, сўкиб (сўтиб) олмоқ; ~ **подкла́дку пальто́** пальто(нинг) астарини сўкиб олмоқ.

ОТПОРО́ТЬ II, -орю́, -о́решь *сов. прост.* калтакламоқ, саваламоқ.

ОТПО́РО/ТЬСЯ, -о́ется *сов.* (*несов.* **отпа́рываться**) сўкилмоқ, сўтилмоқ, сўкилиб кетмоқ; **карма́н ~лся** чўнтак сўкилиб кетди (кетибди).

ОТПОТЕВА́ТЬ, -а́ет *несов. см.* **отпоте́ть.**

ОТПОТЕ́ЛЫ/Й, -ая, -ое *разг.* терчилаган, тер (буғ) билан қопланган; ~**е стёкла** терчилаган ойналар.

ОТПОТЕ́/ТЬ, -е́ет *сов.* (*несов.* **отпотева́ть**) *разг.* терчиламоқ, тер (буғ) билан қопланмоқ; **стёкла очко́в ~ли** кўзойнак терчилади (тер, буғ билан қопланди).

ОТПОЧКОВА́ТЬСЯ, -ку́ется *сов.* (*несов.* **отпочко́вываться**) 1 *биол.* куртакланмоқ, куртакдан (ёки пархишдан) кўкармоқ, урчимоқ; 2 *перен.* ажралмоқ, ажралиб чиқмоқ.

ОТПОЧКО́ВЫВАТЬСЯ, -ается *несов. см.* **отпочкова́ться.**

ОТПРАВИ́ТЕЛ/Ь *м* юборган (жўнатган) шахс, ташкилот; жўнатувчи, юборувчи; ~**ь гру́за** юк жўнатувчи; юк жўнатган (юборган) шахс, ташкилот; **а́дрес ~я** юборувчининг (жўнатувчининг) адреси.

ОТПРАВИ́ТЕЛЬНИЦА *ж см.* **отправи́тель.**

ОТПРА́ВИТЬ I, -влю, -вишь *сов.* (*несов.* **отправля́ть** I) 1 *что* жўнатмоқ, юбормоқ; ~ **письмо́** хат юбормоқ; хатни жўнатмоқ; ~ **курье́ром** курьер орқали юбормоқ; ~ **авиапо́чтой** авиапочта орқали юбормоқ; ~ **де́ньги телегра́фом** пулни телеграф билан юбормоқ; 2 *кого-что* йўлламоқ, жўнатмоқ, юбормоқ, ташламоқ; ~ **войска́ на фронт** фронтга қўшин жўнатмоқ (ташламоқ); ~ *кого-л.* в **командиро́вку** кимсани командировкага юбормоқ; ~ **новосе́ленцев в а́рмию** янги олинган аскарларни **армияга** жўнатмоқ; ~ **ве́щи на ста́нцию** юкларни (нарсаларни) станцияга юбормоқ; 3 *что* жўнатмоқ, жўнашга (йўлга чиқишга) рухсат бермоқ; ~ **по́езд** поездни жўнатмоқ; ✦ ~ **в рот** емоқ, ошамоқ, оғизга урмоқ; ~ **на дно** ғарқ қилмоқ, чўктириб юбормоқ; ~ **на тот свет** нариги дунёга жўнатмоқ, ўлдирмоқ.

ОТПРА́ВИТЬ II, -влю, -вишь *сов.* (*несов.* **отправля́ть** II) *что книжн. уст.* бажармоқ, ўтамоқ, адо этмоқ; ~ **свой долг** ўз бурчини адо этмоқ; ~ **свой обя́занности** ўз вазифасини бажармоқ.

ОТПРАВИ́/ТЬСЯ, -влюсь, -вишься *сов.* (*несов.* **отправля́ться** I) 1 жўнамоқ, кетмоқ, йўлга чиқмоқ йўл олмоқ; ~**ться в колхо́з** колхозга жўнамоқ (кетмоқ); ~**ться в по́ездку (в путеше́ствие)** сафарга (саёҳатга) жўнамоқ; ~**ться в путь** йўлга тушмоқ (чиқмоқ); ~**ться за хле́бом** нон олиб келишга кетмоқ; ~**ться по́ездом** поездда кетмоқ; **куда́ вы ~лись?** йўл бўлсин?; қаёққа боряпсиз (кетяпсиз)?; 2 жўнамоқ, йўлга чиқмоқ; **авто́бус сейча́с ~тся** автобус ҳозир жўнайди; **вы опозда́ли, по́езд уже́ ~лся** сиз кечикдингиз — поезд жўнаб кетди (кетиб бўлди); ✦ ~**ться на тот свет (к пре́дкам)** нариги дунёга кетмоқ, ўлмоқ, дунёдан кўз юммоқ.

ОТПРА́ВКА *ж разг.* жўнатиш, юбориш; жўнаш; ~ **гру́зов** юк жўнатиш; ~ **по́езда** поездни жўнатиш; поезднинг жўнаши (жўнаш вақти).

ОТПРАВЛЕ́НИ/Е I *с* 1 *по гл.* **отпра́вить** I и **отпра́виться** I; ~**е гру́зов** юкларни жўнатиш; ~**е авто́буса** автобусни жўнатиш; автобуснинг жўнаши; 2 юборилган нарса (мас., почта орқали); **заказны́е ~я** заказной қилиб юборилган нарсалар; **почто́вые ~я** почта орқали юбориладиган нарсалар (хат, бандероль ва ш. к.); ✦ **то́чка ~я** *книжн.* бошланғич (таянч) нуқта, манба (фикр юритиш, муҳокама ва ҳ. к. да).

ОТПРАВЛЕ́НИ/Е II *с книжн. уст.* 1 *по гл.* **отпра́вить** II; ~**е обя́занностей** вазифаларни ўташ (бажариш); ~**е правосу́дия** адолатли суд қилиш; 2 *мн.* ~**я** фаолият, ишлаш; ~**я организма** организмнинг ишлаши (фаолияти); **есте́ственные ~я** ёзилиш, ҳожат чиқариш.

ОТПРАВЛЯ́ТЬ I *несов. см.* **отпра́вить** I.

ОТПРАВЛЯ́ТЬ II *несов. см.* **отпра́вить** II.

ОТПРАВЛЯ́ТЬСЯ I *несов.* 1 *см.* **отпра́виться;** 2 *от чего* асосланмоқ, таянмоқ; ~ **от поня́тия о ...** ...ҳақидаги тушунчага асосланмоқ; 3 *страд. от* **отправля́ть** I.

ОТПРАВЛЯ́ТЬСЯ II, -я́ется *несов. страд. от* **отправля́ть** II.

ОТПРАВН/О́Й, -а́я, -о́е 1 бошланадиган, жўнаб кетадиган; жўнаш...; жўнатиш...; ~**о́й пункт гру́за** юкларни жўнатиш пункти (жойи); 2 асос (таянч) қилиб олинган, асосий, таянч; ~**ы́е иде́и** асосий (асос қилиб олинган, асос бўлган) ғоялар; ~**а́я мысль** асосий (таянч) фикр.

ОТПРА́ВОЧН/ЫЙ, -ая, -ое жўнатадиган, юборадиган, жўнатувчи, юборувчи; юбориш...; жўнатиш...; ~**ая конто́ра** юборувчи идора; ~**ый пункт** юбориш (жўнатиш) пункти.

ОТПРА́ЗДНОВАТЬ *сов* 1 *что* байрам қилмоқ; зиёфат (ўйин-кулги ва ҳ. к.) билан ўтказмоқ; нишонламоқ; ~ **побе́ду** ғалабани нишонламоқ (байрам қилмоқ); ~ **день рожде́ния** туғилган кунни нишонламоқ; ~ **оконча́ние институ́та** институтни битириш муносабати билан зиёфат уюштирмоқ; 2 *разг.* байрамни ўтказиб бўлмоқ, зиёфатни тамомламоқ, зиёфатдан (байрамдан) қутулмоқ.

ОТПРА́ШИВАТЬСЯ *несов. см.* **отпроси́ться.**

ОТПРЕССОВА́ТЬ, -су́ю, -су́ешь *сов. что* прессламоқ; пресслаб тайёрламоқ; пресслаб шакл бермоқ (бирор шаклга киритмоқ); прессдан чиқармоқ; ~ **дета́ль** пресслаб деталь тайёрламоқ.

ОТПРОСИ́ТЬСЯ, -ошу́сь, -о́сишься *сов.* (*несов.* **отпра́шиваться**) ижозат олмоқ, рухсат олмоқ; сўраб (ижозат олиб) кетмоқ; ~ **с уро́ка** дарсдан ижозат олиб кетмоқ; ~ **у нача́льника** бошлиқдан ижозат олиб кетмоқ.

ОТПРЫГИВАТЬ *несов. см.* **отпры́гнуть.**

ОТПРЫГНУ/ТЬ *сов.* (*несов.* **отпры́гивать**) 1 сакраб четга ўтмоқ, қочмоқ, орқага (ёки бир томонга) ташланмоқ; ~**ть в сто́рону** сакраб четга ўтмоқ; 2 *разг.* урилиб қайтмоқ (сапчимоқ, сакрамоқ), четга (бирор томонга) отилмоқ; **мяч**

www.ziyouz.com kutubxonasi

~л от шта́нги тӯп штангага (дарвоза тӯсинига) тегиб қайтди.

ОТПРЫСК *м 1 бот.* бачки; новда, шох; **корнево́й ~** бачки илдиз; илдиз бачки; **размноже́ние ~ами** ўсимликни бачкиларидан кўпайтириш; *2 уст. и ирон.* бола, фарзанд, насл, зот, зурриёт, уруғ; **еди́нственный ~** ёлғиз фарзанд; **~ зна́тной фами́лии** зодагонлар боласи (зоти).

ОТПРЯГА́ТЬ *несов. см.* **отпря́чь.**

ОТПРЯГА́ТЬСЯ, -а́ется *несов.* 1 *см.* **отпря́чься;** 2 *страд. от* **отпряга́ть.**

ОТПРЯ́ДЫВАТЬ *несов. уст. см.* **отпря́нуть.**

ОТПРЯЖКА *ж по гл.* **отпря́чь; ~ лошаде́й** отларни аравадан (қўшдан ва ҳ. к.) чиқариш.

ОТПРЯ́НУТЬ *сов.* (*несов.* **отпря́дывать**) бирдан тисланмоқ, сапчиб кетмоқ, орқага ташланмоқ; **~ в у́жасе** даҳшатдан орқага ташланмоқ; **~ от окна́** ойнадан сапчиб орқага ташланмоқ.

ОТПРЯ́ЧЬ, -ягу́, -яжёшь; -я́г, -ягла́ *сов.* (*несов.* **отпряга́ть**) *кого* чиқармоқ (аравадан, қўшдан ва ҳ. к.); **~ло́шадь** отни аравадан (қўшдан) чиқармоқ.

ОТПРЯ́ЧЬСЯ, -яжётся; -я́гся, -яглась *сов.* (*несов.* **отпряга́ться**) чиқарилмоқ (аравадан, қўшдан); **ло́шадь отпряглась** от чиқарилди.

ОТПУГИВА́ТЬ *несов. см.* **отпугну́ть.**

ОТПУГНУ́/ТЬ *сов.* (*несов.* **отпу́гивать**) *кого* 1 қўрқитмоқ, қўрқитиб юбормоқ; чўчитмоқ; ҳуркитмоқ, чўчитиб (ҳуркитиб) ҳайдамоқ, қўрмоқ, қўриқламоқ; **~ть волко́в выстрелом** ўқ отиб бўриларни чўчитиб юбормоқ; бўриларни ўқ отиб ҳайдамоқ; *2 перен.* қўрқитиб (чўчитиб) қўймоқ, чўчитиб ўзидан қочирмоқ, узоқлаштирмоқ; **~ть свое́й несде́ржанностью окружа́ющих** ўзининг тезлиги билан атрофидагиларни чўчитиб қўймоқ; **тру́дности не ~ли его́** қийинчиликлар уни чўчита олмади.

ОТПУСК *м* 1 *по гл.* **отпусти́ть** 1—3, 5, 6, 10, 11, 14; **~ на во́лю** озодликка чиқариш; **~ материа́лов со скла́да** складдан материаллар бериш; **~ по ка́рточкам** карточка бўйича мол бериш (сотиш); **~ средств на строи́тельство** қурилиш учун маблағ ажратиш; 2 отпуска; **очередно́й ~** навбатдаги отпуска; **ме́сячный ~** бир ойлик отпуска; **оплачиваемый ~** ҳақ тўланадиган отпуска; **~ без сохране́ния содержа́ния** ойликсиз (маошсиз) отпуска; *3 тех.* отпуск, бўшатиш (термик ишлов турларидан бири); **~ ста́ли в ма́сле** пўлатни мойда бўшатиш (отпуск қилиш).

ОТПУГИВА́ТЬ *несов. см.* **отпугну́ть.**

ОТПУСКНА́Я *ж, р.* **-но́й** *ист.* озодлик ҳужжати, озод қилиш (қилинганлик) ҳақидаги гувоҳнома (крепостной деҳқон ҳақида); *см. также* **во́льная.**

ОТПУСКНИ́К *м, р.* **-а́** отпуска олган (отпускадаги) киши, отпускачи.

ОТПУСКНИ́ЦА *ж см.* **отпускни́к.**

ОТПУСКН/ОЙ, -а́я, -о́е 1 отпускага оид; отпуска...; **~о́е вре́мя** отпуска вақти; *2 в знач. сущ.* **~ы́е** *мн. разг.* отпуска пули, отпуска вақти учун бериладиган пул; **вы́плата ~ы́х** отпуска пули тўламоқ; *3 эк.:* **~ы́е це́ны** молнинг (маҳсулотнинг) корхонадан бериладиган (корхонада белгиланган) баҳоси.

ОТПУСТИ́/ТЬ, -ущу́, -у́стишь *сов.* (*несов.* **отпуска́ть**) 1 *кого* боришга (ёки кетишга) рухсат (ижозат, жавоб) бермоқ; юбормоқ, чиқармоқ; **~ть с заня́тий** машғулотдан жавоб бермоқ; **~ть дете́й в теа́тр** болаларга театрга бориш учун рухсат бермоқ; болаларни театрга юбормоқ; **~ть учеников на час ра́ньше** ўқувчиларга бир соат олдин жавоб бермоқ; *2 кого разг.* ишини битириб жўнатмоқ, чиқармоқ, рухсат бермоқ; **~ть клие́нта** клиентга рухсат бермоқ; *3 кого* бўшатмоқ, қўйиб (чиқариб) юбормоқ; **~ть пти́цу на во́лю** қушни қўйиб юбормоқ; *4 что* қўлидан чиқармоқ, чиқариб (қўйиб) юбормоқ; **~те ру́ку!** қўлимни қўйиб юборинг!; **~ть заде́ржанного** ушланган кишини қўйиб юбормоқ; *5 кого уст.* бўшатмоқ, рухсат (жавоб) бериб юбормоқ; **~ть прислу́гу** уй хизматчисини бўшатмоқ; *6 что* бўш қўймоқ, бўшатмоқ, солқалатмоқ, бўшаштирмоқ; **~ть кана́т** арқонни бўшатмоқ (бўшаштирмоқ); **по́яс на́до ~ть** камарни бўшатиш керак; *7* бўшашмоқ, пасаймоқ, қайтмоқ; тушмоқ; **моро́з ~л** совуқ пасайди (қайтди, бўшашди); *8 что* қўймоқ, ўстирмоқ; **~ть бо́роду (усы́, во́лосы)** соқол (мўйлов, соч) қўймоқ; *9* қўйиб юбормоқ, юмшамоқ, босилмоқ, камаймоқ, қайтмоқ (оғриқ ҳақида); **Боль то́тчас же ~ла её** *(Чехов)* Оғриғи дарҳол босилди (тўхтади); *10 что* бермоқ, ажратмоқ, чиқармоқ; **~ть сре́дства** *на что-л.* бирор мақсад учун пул ажратмоқ (чиқармоқ); *11 что* бермоқ; сотмоқ; **~ть покупа́телю конфе́ты** харидорга конфет сотмоқ; **~ть шко́льникам уче́бники** ўқувчиларга дарсликлар бермоқ; *12 что разг.* айтиб юбормоқ, оғзидан чиқариб юбормоқ; **~ть остро́ту** аския қилиб юбормоқ, оғзидан ўткир гап чиқиб кетмоқ; *13 что уст.* кечирмоқ, афв этмоқ, айбидан (гуноҳидан) ўтмоқ; **~ть грехи́** гуноҳларини кечирмоқ; *14 спец. что* ўткирламоқ, чархламоқ, қайрамоқ, пешламоқ; **~ть нож** пичоқ чархламоқ; *15 что тех.* отпуск қилмоқ, бўшатмоқ; **~ть сталь** пўлатни бўшатмоқ; ✦ **~ть ду́шу на покая́ние** тинч қўймоқ, безовта қилмаслик.

ОТПУСТИ́/ТЬСЯ, -у́стится *сов. разг.* бўшаб (бўш бўлиб) қолмоқ, бўшаб (бўшашиб) кетмоқ; **подпру́га ~лась** айил (қоринбоғ) бўшашиб кетибди.

ОТПУЩЕ́НИЕ *с уст.* кечириш, афв этиш, **гуноҳидан** ўтиш; **~ грехо́в** гуноҳлардан халос этиш; гуноҳларини кечириш.

ОТПУЩЕННИК *м уст. то же, что* **вольноотпу́щенник.**

ОТРАБА́ТЫВАТЬ *несов. см.* **отрабо́тать** 1, 4, 5.

ОТРАБО́ТАНН/ЫЙ, -ая, -ое 1 *прич. от* **отрабо́тать;** 2 *в знач. прил.* ишлатилган, ишлатилиб бўлган; **ишдан чиққан; ~ое ма́сло** ишлатилиб бўлган мой; **~ый пар** ишлатилган буғ, ишлатилиб бўлган буғ.

ОТРАБО́ТА/ТЬ *сов.* 1 (*несов.* **отраба́тывать**) *что* и *без доп.* ишлаб бермоқ, ишлаб адо қилмоқ; ишлаб қайтармоқ (узмоқ); **~ть долг** қарзини ишлаб бермоқ; ишлаб қарзини узмоқ; 2 маълум вақт ишламоқ, ишлаб бермоқ; **~ть три го́да** уч йил ишлаб бермоқ; уч йил ишламоқ; *3 разг.* ишлаб бўлмоқ, ишини битирмоқ (тугатмоқ, тамомламоқ) ишдан қутулмоқ; **мы уже́ ~ли** биз ишлаб бўлдик; *4* (*несов.* **отраба́тывать**) *что разг.* пишитмоқ, пухталамоқ, пухта ишлов бермоқ; ишлаб етилтирмоқ, битирмоқ, қўлдан чиқармоқ, камолига (меъёрига) етказмоқ; **~ть прое́кт** проектни пишитмоқ; **~ть статью́** мақолага ишлов бермоқ (ишлаб битирмоқ); *5* (*несов.* **отраба́тывать**) *что* пишитмоқ, яхши ўрганмоқ, ўрганиб (билиб) олмоқ, машқини етилтирмоқ, машқини (ҳадисини) олмоқ; **~ть те́хнику вожде́ния маши́н** машина ҳайдаш техникасини яхши ўрганиб олмоқ; **~ть роль** ролни пишитмоқ (пухталамоқ); *6* ишлайвериб ейилмоқ, ишдан чиқмоқ; **резе́ц ~л** кескич ишдан чиқди.

ОТРАБОТА́ТЬСЯ *сов. прост.* ишни тамомламоқ, ишни битирмоқ, ишдан чиқмоқ (бўшамоқ).

ОТРАБО́ТКА *ж* 1 *по гл.* **отрабо́тать** 1, 4, 5; **~ до́лга** қарзини ишлаб бериш (узиш); **~ те́хники бе́га** югуриш техникасини яхшилаб ўрганиш, югуриш машқини олиш; **~ прыжко́в с трампли́на** трамплиндан сакраш ҳадисини олиш; *2 мн.* **отрабо́тки,** *р.* **-ток** *ист.* отработка (ижарага ер берган помешчикларга текин ишлаб бериш системаси).

ОТРАБО́ТОЧН/ЫЙ, -ая, -ое *ист.* отработкага оид; отработка асосидаги; отработка...; **~ая ре́нта** отработка асосидаги рента.

ОТРА́В/А *ж* 1 заҳар, оғу; **~а для крыс** каламуш ўлдирадиган дори; маргимуш; *2 перен.* зарарли нарса, заҳар, оғу; **Он начина́л познава́ть пре́лесть одино́чества и сла́дкую ~у мечта́ний** (М. Горький) У ёлғизликнинг лаззатини ва хаёлотнинг ширин оғусини сеза бошлади.

ОТРАВИ́ТЕЛЬ *м* заҳарлаган (заҳар берган, ичирган) киши, заҳарловчи.

ОТРАВИ́ТЕЛЬНИЦА *ж см.* **отрави́тель.**

ОТРАВИ́ТЬ, -авлю́, -а́вишь *сов.* (*несов.* **отравля́ть**) 1 *кого* заҳарламоқ, заҳар бериб ўлдирмоқ; 2 *перен. кого-что* заҳарламоқ, заҳарли таъсир кўрсатмоқ; **~ сознание** онгини заҳарламоқ; **~ организм алкого́лем** организмни алкоголь (ичкилик) билан заҳарламоқ; *3 что* заҳар аралаштирмоқ, заҳар қўшмоқ, заҳарламоқ; **вода́ в колодце отра́влена** қудуқдаги сув заҳарланган; *4 перен. что* бузмоқ, хира қилмоқ, заҳарламоқ; **~ *кому-л.* настрое́ние** бировнинг кайфиятини бузмоқ (таъбини хира қилмоқ); **~ жизнь** *кому-л.* бировнинг ҳаётини заҳарламоқ.

ОТРАВИ́ТЬСЯ, -авлю́сь, -а́вишься *сов.* (*несов.* **отравля́ться**) 1 заҳарланмоқ, заҳарланиб **касал** бўлмоқ; **~ кон-**

www.ziyouz.com kutubxonasi

сéрвами консервадан (консерва билан) заҳарланмоқ; ~ **угáрным гáзом** ис тегиб заҳарланмоқ, ис тегиб қолмоқ; 2 заҳар ичмоқ, заҳар ичиб ўлмоқ.

ОТРАВЛЕ́НИЕ *с по гл.* **отравúть** 1—3 и **отравúться; ~ испóрченной ры́бой** айниган балиқдан заҳарланиш; ~ **умóв** онгни заҳарлаш; онгнинг заҳарланиши.

ОТРАВЛЯ́ТЬ *несов. см.* **отравúть.**

ОТРАВЛЯ́ТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **отравúться; 2** *страд. от* **отравля́ть.**

ОТРАВЛЯЮЩИ/Й, -ая, -ее 1 *прич. от* **отравля́ть; 2** *в знач. прил.* заҳарловчи, заҳарли; ~**е вещества́** заҳарли (заҳарловчи) моддалар.

ОТРА́Д/А *ж* овунчоқ, юпанчиқ, қувонч; тасалли; дил хуши; **дéти — нáша** ~**а** болалар — қувончимиз (овунчоғимиз); **находúть** ~**у в чтéнии** китоб ўқиб дилни хуш қилмоқ (тасалли топмоқ); **с** ~**ой** қувонч билан, қувониб.

ОТРА́ДНО 1 *нареч.* қувонч билан, қувончли; **э́то** ~ **слы́шать** буни эшитиш қандай қувончли; 2 *безл. в знач. сказ.* шод, хурсанд, шодмон, қувончга тўлган; **мне бы́ло** ~ мен учун жуда қувончли эди, мен жуда хурсанд эдим.

ОТРА́ДН/ЫЙ, -ая, -ое; -ден, -дна қувончли, севинчли, севинтирадиган; хурсанд қиладиган; ~**ая весть** қувончли хабар; хушхабар; ~**ое чу́вство** қувонтирадиган (шодлик бағишлайдиган) туйғу; шодлик туйғуси.

ОТРАЖА́ТЕЛЬ *м тех.* қайтаргич; ~ **све́та** нур қайтаргич; ~ **волн** тўлқинлар қайтаргичи; тўлқин қайтаргич; **зерка́льный** ~ ойнали (кўзгули) қайтаргич.

ОТРАЖА́ТЕЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое *спец.* қайтарадиган, акс эттирадиган; қайтарувчи; қайтариш...; ~**ая спосóбность** жисмларнинг (иссиқлик, ёруғлик ва ш. к. ни) қайтариш қобилияти; ~**ые пе́чи** яллиғ қайтарувчи (акс эттирувчи) печлар, яллиғ печлари.

ОТРАЖА́ТЬ *несов. см.* **отрази́ть.**

ОТРАЖА́ТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **отрази́ться; 2** *страд. от* **отража́ть.**

ОТРАЖЕ́НИЕ *с* 1 *по гл.* **отрази́ть и отрази́ться; ~ напáдения** ҳужумни қайтариш; ~ **зву́ка** товушнинг қайтиши; товушни қайтариш; ~ **действи́тельности** ҳақиқатни акс эттириш; ҳақиқатнинг акс этиши; 2 акс, тасвир; ~ **в зе́ркале** кўзгудаги акс; ~ **звёзд в воде́** юлдузларнинг сувдаги акси; 3 кўзгу, акс, ифода; **литерату́ра — ~ жи́зни** адабиёт ҳаёт кўзгусидир; адабиёт ҳаётнинг ифодасидир; 4 таъсир; из; ~ **эпóхи** давр таъсири; 5 *филос.* инъикос, акс; **теóрия отраже́ния** инъикос назарияси.

ОТРАЖЁННЫ/Й, -ая, -ое 1 *прич. от* **отрази́ть; 2** *в знач. прил.* қайтган; қайтарилган; акс этган; ~**й свет** акс этган ёруғлик; ~**е радиово́лны** қайтган (қайтарилган) радиотўлқинлар.

ОТРАЗИ́/ТЬ, -ажу́, -ази́шь *сов.* (*несов.* **отража́ть**) 1 *кого-что* қайтармоқ, даф қилмоқ; ~**ть ата́ку** атакани қайтармоқ; ~**ть врага́** душманни қайтармоқ (даф қилмоқ); ~**ть уда́р** зарбани қайтармоқ; 2 *перен. что* рад қилмоқ, инкор қилмоқ, нотўғрилигини кўрсатмоқ; ~**ть кри́тику оппоне́нта** оппонент танқидини рад қилмоқ; 3 *что* қайтармоқ, акс эттирмоқ; ~**ть свет** нурни қайтармоқ; 4 *кого-что* акслантирмоқ, акс эттирмоқ, соясини (тасвирини) кўрсатмоқ; **река́ ~ла кра́ски зака́та** дарё кун ботиш пайтидаги шафақ рангларини акс эттирди; 5 *что* акс эттирмоқ, тасвирламоқ, ифодаламоқ; гавдалантирмоқ, кўрсатмоқ; **писа́тель я́рко ~л в пóвести жизнь завóда** ёзувчи ўз повестида завод ҳаётини ёркин акс эттирган (ифодалаган, кўрсатган).

ОТРАЗИ́/ТЬСЯ, -ажу́сь, -зи́шься *сов.* (*несов.* **отража́ться**) 1 акс этмоқ, қайтмоқ; 2 акс этмоқ, кўринмоқ; **в зе́ркале** ~**лось знако́мое лицо́** ойнада таниш башара кўринди; 3 акс этмоқ, ифодаланмоқ, кўринмоқ, намоён бўлмоқ; ўз ифодасини топмоқ; **на его́ лице́** ~**лась трево́га** унинг юзида ҳаяжон акс этди(кўринди); 4 *на ком-чём* таъсир қилмоқ, из (асар, асорат) қолдирмоқ, акс этмоқ; **перемéна клúмата благотвóрно** ~**лась на его́ здоро́вье** иқлимнинг ўзгартирилиши унинг соғлиғига яхши таъсир қилган.

ОТРАПОРТОВА́ТЬ, -ту́ю, -ту́ешь *сов.* (*несов.* **отрапортóвывать**) 1 рапорт бермоқ, рапорт бериб маълум қилмоқ; ~ **о досро́чном выполне́нии годово́го пла́на** йиллик план муддатидан олдин бажарилгани ҳақида рапорт бермоқ; 2 *перен. разг.* тез (бурро, бийрон) айтиб (гапириб) бермоқ; бурро-бурро гапирмоқ.

ОТРАПОРТОВЫВА́ТЬ *несов. см.* **отрапортова́ть.**

ОТРАСЛЕВО/Й, -а́я, -о́е тармоққа (ёки соҳага) оид: соҳавий; тармоқ..., соҳа...; ~**й институ́т** соҳа институти; ~**е совеща́ние** соҳавий йиғилиш, бирор соҳа ходимлари кенгаши.

ОТРАСЛ/Ь *ж* 1 *уст.* новда, ниҳол; 2 *уст.* авлод, насл, зот; 3 соҳа, тармоқ; ~**ь зна́ний** билим соҳаси; **веду́щая** ~**ь промы́шленности** саноатнинг етакчи соҳаси; ~**и се́льского хозя́йства** қишлоқ хўжалик тармоқлари (соҳалари).

ОТРАСТА́ТЬ, -а́ет *несов. см.* **отрасти́.**

ОТРАСТИ́, -тёт; -рóс, -росла́ *сов.* (*несов.* **отраста́ть**) ўсмоқ, ўсиб кетмоқ; **но́гти отросли́** тирноқлар ўсиб кетди.

ОТРАСТИ́ТЬ, -ащу́, -асти́шь *сов.* (*несов.* **отра́щивать**) *что* ўстирмоқ, қўймоқ; ~ **усы́** мўйлов қўймоқ.

ОТРА́ЩИВАТЬ *несов. см.* **отрасти́ть.**

ОТРЕАГИ́РОВА/ТЬ *сов.* қандайдир жавоб бермоқ, муносабат билдирмоқ, қабул қилмоқ, таъсирланмоқ; ~**ть на происше́дшее** юз берган ҳодисага муносабат билдирмоқ; **как он** ~**л на ва́ше предложе́ние?** таклифингизга у қандай жавоб берди?; таклифингиз унга қандай таъсир қилди?; таклифингизни у қандай қабул қилди?

ОТРЕ́БЬЕ *с собир.* 1 *уст.* ташландиқ нарсалар, чиқитлар, чиқиндилар, лаш-лушлар; 2 *перен.* тубанлашган одамлар, қаланғи-қасанғилар, газандалар; **фаши́стское** ~ фашист газандалари.

ОТРЕГУЛИ́РОВАТЬ *сов. что* ростламоқ, тўғриламоқ, тузатмоқ, регулировка қилмоқ; ~ **механи́зм** механизмни ростламоқ; ~ **ход часо́в** соатнинг юришини тўғриламоқ; ~ **отноше́ния** *перен.* муносабатни тўғриламоқ (тузатмоқ).

ОТРЕГУЛИ́РОВА/ТЬСЯ, -руется *сов.* ростланмоқ, тўғриланмоқ, тузалмоқ; **стано́к хорошо́** ~**лся** станок яхши ростланди.

ОТРЕДАКТИ́РОВАТЬ *сов. что* таҳрир қилмоқ, таҳрир қилиб чиқмоқ, таҳрирдан чиқармоқ; ~ **статью́** мақолани таҳрир қилиб чиқмоқ; мақолани таҳрирдан чиқармоқ.

ОТРЕ́З *м* 1 *по гл.* **отре́зать** 1, 2; ~ **земе́льного уча́стка** ер участкаси ажратиш; 2 бир кийимлик материал; бир бўлак мато (газлама); ~ **на пла́тье** бир кўйлаклик материал; **шёлковый** ~ бир кийимлик шойи; **в э́том** ~**е о́коло пяти́ мéтров** бу мато бўлаги беш метр келади; 3 кесилган (кесиладиган, қирқиладиган) жой; кесик; **ли́ния** ~**а** кесиш чизиғи, қирқиладиган чизиқ; ~ **на́до отшлифова́ть** кесикни (кесилган жойни) силлиқлаш керак.

ОТРЕЗА́ННОСТЬ *ж* алоқа йўқлик, алоқанинг узилиб қолганлиги; узилганлик; ~ **от хле́бных райо́нов** дон етиштириладиган районлардан узилганлик; ~ **от окружа́ющих** атрофдагилардан узилганлик; ~ **от ми́ра** дунёдан бехабарлик; дунё ишларига аралашмаслик.

ОТРЕЗА́ННЫЙ, -ая, -ое *прич. от* **отре́зать; ✦ ~ ломóть** ҳаммадан мосуво одам, сўққабош, яккамохов.

ОТРЕЗА/ТЬ, -е́жу, -е́жешь *сов.* (*несов.* **отреза́ть**) 1 *что* кесмоқ, қирқмоқ; кесиб (қирқиб) олмоқ; кесиб (қирқиб) ташламоқ (туширмоқ); ~**ть кусóк хлéба** бир бўлак нон кесмоқ (кесиб олмоқ); **отре́жьте, пожа́луйста, кусóк пирога́** бир бўлак пирогдан кесиб берсангиз; 2 *что* ажратмоқ, ажратиб бермоқ; ~**ть уча́сток под сад** боғ учун ер ажратмоқ; 3 (*несов. также* **отре́зывать**) *кого-что* бўлиб қўймоқ, алоқасини узиб қўймоқ; ~**ть наступа́ющие ча́сти проти́вника от его́ основны́х сил** душманнинг ҳужум қилаётган қисмларини асосий кучларидан ажратиб (узиб) қўймоқ; 4 (*несов. также* **отре́зывать**) *что* кесиб қўймоқ, тўсиб қўймоқ; **все пути́** ~**ны** ҳамма йўллар кесиб қўйилган; 5 *разг.* гапини чўрт кесмоқ, гапини оғзидан олмоқ; чўрт кесиб (жеркиб) жавоб бермоқ; **на мой вопро́с он серди́то** ~**л: нет!** менинг саволимга у жеркиб (чўрт кесиб), йўқ!— деб жавоб берди; ✦ **как (бу́дто, сло́вно) ножо́м** ~**ло** таққа тўхтатди, йўқ бўлиб қолди; **как ножо́м** ~**ть** чўрт кесмоқ, кескин рад этмоқ, йўқ демоқ.

ОТРЕЗА́ТЬ *несов. см.* **отре́зать.**

ОТРЕЗВЕ́ТЬ *сов.* 1 ҳушига (ўзига) келмоқ; **кайфи** (мастлиги) тарқалмоқ, ҳушёр тортмоқ; 2 *перен.* ақли кирмоқ, кўзи очилмоқ.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ОТРЕЗВИ́ТЕЛЬНЫЙ, -ая, -ое ҳушига (ўзига) келтирадиган, кўзини очадиган, кайфни тарқатадиган; ~ **напи́ток** ўзига келтирадиган (кайфни тарқатадиган) ичимлик.

ОТРЕЗВИ́/ТЬ, -влю́, -ви́шь *сов.* (*несов.* **отрезвля́ть**) *кого* 1 ҳушига (ўзига) келтирмоқ, кайфини тарқатмоқ; **холо́дный душ ~л его́** совуқ душ уни ҳушига келтирди; 2 *перен.* ақлини киритмоқ; кўзини очиб қўймоқ; **неуда́ча ~ла его́** муваффақиятсизлик унинг ақлини киритиб (кўзини очиб) қўйди.

ОТРЕЗВИ́ТЬСЯ, -влю́сь, -ви́шься *сов.* (*несов.* **отрезвля́ться**) *то же, что* **отрезве́ть.**

ОТРЕЗВЛЕ́НИЕ *с по гл.* **отрезви́ть** и **отрезви́ться; нра́вственное ~** маънавий жиҳатдан ҳушёр тортиш.

ОТРЕЗВЛЯ́ТЬ *несов. см.* **отрезви́ть.**

ОТРЕЗВЛЯ́ТЬСЯ *несов.* 1 *см* **отрезви́ться;** 2 *страд. от* **отрезвля́ть.**

ОТРЕЗНО́Й, -а́я, -о́е 1 қирқиладиган, кесиладиган; қирқиб (кесиб) олинадиган; ~ **тало́н** кесиладиган (қирқиб олинадиган) талон; 2 тикиб уланадиган, улама; **пла́тье с ~ та́лией** бели улама кўйлак; 3 *тех.* **қирқа́диган,** кесадиган, қирқиб (кесиб) туширадиган; ~ **резе́ц** қирқадиган (қирқиб туширадиан) кескич; ~ **стано́к** қирқиш (кесиш) станоги; ✦ **отрезны́е зе́мли** *ист.* отрезка сифатида ажратилган ерлар; *см.* **отре́зок** 3.

ОТРЕ́З/ОК *м, р.* **-зка** 1 парча, бўлак, кесик, лахтак; резги; **~ок сукна́** бир кесик (бўлак) мовут; **~ки бума́ги** қоғоз парчалари; парча-пурча қоғозлар; 2 қисм, бўлак; кесма; **~ок пути́** йўлнинг бир қисми; **~ок прямо́й** тўғри чизиқ кесмаси; **~ок вре́мени** вақтнинг бир қисми (бўлаги); 3 *мн.* **~ки** *ист.* кесик, отрезка (1861 йилги реформа вақтида помешчиклар деҳқонлардан тортиб олган ерлар).

ОТРЕ́ЗЫВАТЬ *несов. см.* **отре́зать** 3, 4.

ОТРЕКА́ТЬСЯ *несов. см.* **отре́чься.**

ОТРЕКОМЕНДОВА́ТЬ, -ду́ю, -ду́ешь *сов.* (*несов.* **отрекоменду́ывать**) 1 *кого* таништирмоқ, танитмоқ; ~ **но́вого сотру́дника** янги ходимни таништирмоқ; 2 *кого-что* тавсия қилмоқ; бирор тарзда таърифламоқ; **хорошо́** ~ *кого-л.* кимсани яхши томондан таърифламоқ; кимсани яхшиламоқ; 3 *кого-что* тавсия қилмоқ, маслаҳат бермоқ; ~ **но́вый кинофи́льм** янги кинофильмни тавсия этмоқ.

ОТРЕКОМЕ́НДОВА/ТЬСЯ, -ду́юсь, -ду́ешься *сов.* (*несов.* **отрекоменду́ываться**) ўзини танитмоқ; кимлигини билдирмоқ; **~ться прису́тствующим** ҳозир бўлганларга ўзини танитмоқ; **он ~лся преподава́телем** у ўзини ўқитувчи деб танитди.

ОТРЕКОМЕНДО́ВЫВАТЬ *несов. см.* **отрекомендова́ть.**

ОТРЕКОМЕНДОВЫВА́ТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **отрекомендова́ться;** 2 *страд. от* **отрекоменду́ывать.**

ОТРЕМОНТИРОВА́ТЬ *сов. что* ремонт қилмоқ, ремонтдан чиқармоқ, ремонтдан чиқариб қўймоқ (бўлмоқ); ~ **ко́мнату** хонани ремонт қилмоқ; ~ **о́бувь** пойабзални ремонт қилмоқ; ~ **те́хнику к весне́** баҳорга техникани ремонтдан чиқариб қўймоқ; ✦ ~ **ко́нское поголо́вье** *с.-х.* йилқи сифатини яхшиламоқ, йилқиларни янгиламоқ, алмаштирмоқ.

ОТРЕПЕТИ́РОВАТЬ *сов. что* пухта репетиция қилмоқ; репетиция қилиб пухта эгалламоқ, етилтирмоқ, қиёмига етказмоқ, пишитмоқ; ~ **роль** ролни репетиция қилиб пишитмоқ.

ОТРЕПЕТОВА́ТЬ, -ту́ю, -ту́ешь *сов. что мор.* сигнални такрорламоқ, сигнални такрорлаб тушунилганлигини билдирмоқ.

ОТРЕ́ПЬ/Е *с собир.* и **ОТРЕ́ПЬ/Я** *мн. разг.* йиртиқ-сиртиқ (жулдур) кийим; увада; **ходи́ть в ~е** (или **в ~ях**) жулдур кийимда юрмоқ.

ОТРЕЧЕ́НИЕ *с* 1 *по гл.* **отре́чься;** 2 воз кечиш ҳақидаги ҳужжат; **подписа́ть ~** воз кечиш ҳақидаги ҳужжатга қўл қўймоқ.

ОТРЕ́ЧЬСЯ, -еку́сь, -ечёшься; -ёкся, -екла́сь *сов.* (*несов.* **отрека́ться**) 1 *от чего* инкор қилмоқ, тонмоқ, қайтмоқ; ~ **от свои́х слов** ўз сўзидан (лафзидан) қайтди; ўз сўзидан тонмоқ; ~ **от свои́х убежде́ний** ўз маслагидан қайтмоқ; 2 *от чего* кечмоқ, воз кечмоқ, баҳридан ўтмоқ; ўзини маҳрум қилмоқ; ~ **от свои́х прав** ўз ҳуқуқларидан воз кечмоқ; ~ **от земны́х благ** бу дунё лаззатларидан воз кечмоқ; — **Идти́ в монасты́рь — зна́чит ~ от жи́зни, погуби́ть её** (Чехов) Монастирга бориш ҳаётдан кечиш, уни ҳазон қилиш демакдир; 3 *от кого* кечмоқ, юз ўгирмоқ; ~ **от бли́зких** яқинларидан кечмоқ (юз ўгирмоқ); ✦ ~ **от престо́ла** тахтдан (подшоликдан) воз кечмоқ.

ОТРЕША́ТЬ *несов. см.* **отреши́ть.**

ОТРЕША́ТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **отреши́ться;** 2 *страд. от* **отреша́ть** 1, 3.

ОТРЕШЕ́НИЕ *с уст. по гл.* **отреши́ть** и **отреши́ться; ~ от жи́зни** жондан кечиш; ~ **от до́лжности** вазифасидан бўшатиш.

ОТРЕШЕ́ННОСТ/Ь *ж книжн.* хаёл қочган (борлиқдан ажралган) ҳолат, паришонлик, ҳеч нарса сезмаслик, бефарқлик; **состоя́ние ~и** бефарқ ҳолат, паришонлик; **~ь от действи́тельности** борлиқдан ажралганлик (уни сезмаслик).

ОТРЕШЁНН/ЫЙ, -ая, -ое 1 *прич. от* **отреши́ть;** 2 *в знач. прил. книжн.* бус-бутун бирор нарса (ёки ўз фикри, хаёли ва ҳ. к.) билан банд бўлган, хаёли қочган, ҳеч нарса сезмайдиган, паришон, бефарқ; **~ый взгляд** бефарқ боқиш; **~ое выраже́ние лица́** паришон кўриниш.

ОТРЕШИ́ТЬ *сов.* (*несов.* **отреша́ть**) *кого-что от чего уст.* 1 бўшатмоқ, озод қилмоқ; ~ **от дома́шних дел** уй ишларидан озод қилмоқ; 2 узмоқ, ажратмоқ; узиб (ажратиб, алоқасини узиб) қўймоқ; ~ **от жи́зни** ҳаётдан ажратиб қўймоқ; 3 бўшатмоқ, бекор (озод) қилмоқ, четлатмоқ, туширмоқ; ~ **от заня́тий** машғулотдан четлатмоқ; ~ **от слу́жбы** хизматдан бўшатмоқ (четлатмоқ, озод қилмоқ).

ОТРЕШИ́ТЬСЯ *сов.* (*несов.* **отреша́ться**) ташламоқ, қўймоқ, кечмоқ, тарк этмоқ, қутулмоқ, халос бўлмоқ; қайтмоқ; ~ **от мы́сли** *о чём-л.* бирор фикрдан қайтмоқ; фикрни ташламоқ (миясидан, хаёлидан чиқариб юбормоқ); ~ **от всего́ иску́сственного** ҳамма сунъий нарсадан қутулмоқ.

ОТРИЦА́НИ/Е *с* 1 инкор қилиш, тониш, тан олмаслик, бўйнига олмаслик; **~е свое́й вины́** айбидан тониш; ўз айбини бўйнига олмаслик; 2 инкор (рад) этиш, қарши чиқиш, эътироз билдириш; **~е необходи́мости** *чего-л.* бирор нарсанинг зарурлигини инкор этиш (зарурлиги тўғрисидаги фикрга қарши чиқиш); 3 *филос.* инкор; инкор этиш (этилиш); **~е ста́рого но́вым** эскининг (эскиликнинг) янги (янгилик) билан инкор этилиши; **~е ~я** инкорни инкор этиш, инкорнинг инкор этилиши; 4 *грам.* бўлишсизлик; инкор...; **части́цы ~я** инкор юкламалари.

ОТРИЦА́ТЕЛЬНО *нареч.* салбий равишда; йўқ (бўлмайди) деб; қарши, терс; ~ **отве́тить** салбий жавоб (рад жавоби) бермоқ; йўқ (бўлмайди) деган жавобни бермоқ; **относи́ться ~ к** *кому-чему-л.* ёмон (салбий) муносабатда бўлмоқ; ёқтирмаслик, ҳуш кўрмаслик; маъқулламаслик; **де́йствовать ~** салбий таъсир қилмоқ; ~ **покача́ть голово́й** йўқ деб (йўқ деган маънода) бош тебратмоқ.

ОТРИЦА́ТЕЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое; -лен, -льна 1 **салби́й,** инкор этадиган; маъқулламовчи; **~ый отве́т** салбий жавоб; рад жавоби; **~ая характери́стика** салбий характеристика; **~ый знак голово́й** бош тебратиб йўқ дейиш; **~ое мне́ние** салбий фикр (мулоҳаза); 2 салбий, қарши, ёқламовчи, ёқтирмовчи; **~ое отноше́ние к прое́кту** лойиҳага салбий муносабат; лойиҳага қарши чиқиш (қаршилик); 3 акс, тескари, терс, зид; **~ый результа́т** тескари натижа; **~ая реа́кция** тескари реакция; 4 инкор принципига асосланган; инкор этиш...; **~ый ме́тод** инкор (этиш) методи; 5 салбий, ёмон, номаъқул, номақбул, ярамас; **~ый геро́й** салбий қаҳрамон; **~ое влия́ние** салбий таъсир; **у него́ нема́ло ~ых ка́честв** унинг салбий (ёмон) томонлари оз эмас; 6 *мат. физ.* манфий; **~ое число́** манфий сон; **~ый заря́д** манфий заряд.

ОТРИЦА́ТЬ *несов. что* 1 инкор қилмоқ, йўқ демоқ, йўққа чиқармоқ; тонмоқ; ~ **обвине́ние** айбни йўққа чиқармоқ; айбловни инкор этмоқ; ~ **до́воды проти́вника** муҳолифининг далилларини инкор этмоқ (йўққа чиқармоқ); 2 инкор (рад) этмоқ, қарши чиқмоқ, эътироз билдирмоқ; ~ **целесообра́зность** *чего-л.* бирор нарсанинг кераклигини (мақсадга мувофиқлигини) инкор қилмоқ.

ОТРОГ *м* тармоқ (тизма тоғ тармоғи); **~и Алата́у** Олатов тармоқлари.

ОТРОДУ *нареч. разг.* туғилган(им)дан буён, умри(м)да, умри(м) бино бўлиб, сира, асло, ҳеч; ҳеч қачон; азалдан; **я там ~ не́ был** мен у ерда ҳеч бўлмаганман; **умри́мда мен**

www.ziyouz.com kutubxonasi

у ерда бўлмаганман; **я ~ не ви́дел подо́бного** умримда бунақасини кўрмаганман.

ОТРОДЬЕ *с* 1 *пренебр.* насл. авлод. зот, зурриёт, -вачча; **воровско́е ~** ўғрилар зоти, зоти ўғрилар; ўғривачча (лар); 2 *с.-х.* хил, зот, тур, жинс; **ме́стное ~ яросла́вского скота́** Ярослав зотидаги молнинг маҳаллий зоти.

ОТРОДЯСЬ *нареч. прост. то же, что* **о́троду.**

ОТРОЕК *м, р.* **-о́йка** асалари кўчи, ёш кўч, энди ажралган кўч.

ОТРОЙТЬ *сов. кого-что* асаларидан кўч ажратмоқ, янги кўч чиқармоқ.

ОТРОЙТЬСЯ, -ойтся *сов.* янги кўчга ажралмоқ, ажралиб чиқмоқ (асалари кўчи-уяси ҳақида).

ОТРОК *м* 1 *уст.* ўсмир, ўспирин; 2 *ист.* отрок, ўғлон (қадимги Русда: дружинанинг кичик аъзоси).

ОТРОКОВИЦА *ж уст.* бўйига етаётган (етмаган) қиз. қиз бола.

ОТРОСТОК *м, р.* **-тка** 1 *бот.* янги новда, шох, бутоқ; **~ я́блони** олма новдаси; 2 ўсимта; ўсиқ; **~ оле́ньего ро́га** бугу шохининг ўсиғи; **~ слепо́й кишки́** кўричак ўсимтаси.

ОТРОЧЕСКИЙ, -ая, -ое ўсмирлик (ўспиринлик) даврига оид; ўсмирлик (ўспиринлик) давридаги; ўсмирлик; ўспиринлик; **~ во́зраст** ўсмирлик ёши.

ОТРОЧЕСТВ/О *с книжн.* ўсмирлик, ўспиринлик; **в ~е** ўсмирлигида, ўсмирлик вақтида; **пора́ ~а** ўсмирлик даври.

ОТРУБ *м, мн.* **-а́** отруб (1906—1916 йилларда жамоалардан ажралиб чиққан ўзига тўқ деҳқонларга чор ҳукумати инъом қилган ерлар).

ОТРУБА́ТЬ *несов. см.* **отруби́ть** 1.

ОТРУБИ *мн., р.* **-бе́й** кепак; **пшени́чные ~** буғдой кепаги; буғдой унининг кепаги.

ОТРУБИ/ТЬ, -уб лю́, -у́бишь *что* 1 (*несов.* **отруба́ть**) кесмоқ, кесиб олмоқ, кесиб ташламоқ, қирқиб туширмоқ; **~ть ве́тку** шохни кесиб ташламоқ; **~ть кусо́к мя́са** гўштнинг бир бўлагини кесиб олмоқ (бермоқ, ташламоқ); 2 *также без доп. разг.* чўрт жавоб бермоқ; қисқа (лўнда) қилиб айтмоқ; шарт-шарт гапирмоқ; **не сказа́л, а ~л** гапириб ўтирмасдан чўрт кесиб қўя қолди.

ОТРУБНОЙ, -а́я, -о́е *ист.* отрубга оид; **~ уча́сток** отруб ер; отруб тариқасида берилган ер.

ОТРУ́ГАТЬ *сов. кого-что разг.* сўкиб (уришиб) бермоқ, қаттиқ койимоқ.

ОТРУ́ГИВАТЬСЯ *несов. разг.* баравар (қолишмасдан) сўкишмоқ, сўкиниб жавоб бермоқ; **~ в отве́т на замеча́ния** танбеҳларга жавобан сўкинмоқ.

ОТРУ́ЛИВАТЬ *несов. см.* **отрули́ть.**

ОТРУЛИ́/ТЬ *сов.* (*несов.* **отру́ливать**) *ав.* 1 ерда юргизиб нари олиб кетмоқ, бирор ёққа бурмоқ, ўтказмоқ (самолётни); **лётчик ~л самолёт на взлётную полосу́** учувчи самолётни буриб учиш полосасига ўтказди; 2 судраб обормоқ (самолётни).

ОТРЫВ *м по гл.* **оторва́ть** 1, 2, 5, 6 и **оторва́ться** 1—4; **~ осно́вы** *текст.* ўриш ипининг узилиши; **ли́ния ~а** йиртиб олиш чизиғи (квитанция ва ш. к. да); **~ от проти́вника** *воен.* душмандан узоқлашиш (узилиш); **~ от ли́дера** *спорт.* лидердан узоқлашиш; **~ от земли́** *ав.* ердан кўтарилиш (узилиш, учиб кетиш); **ско́рость ~а** *ав.* ердан кўтарилиш (узилиш) тезлиги; **жить в ~е от сосе́дей** қўшнилардан ажралган ҳолда (аралашмай) яшаш; **в ~е от масс** оммадан узоқда (ажралган ҳолда); **быть в ~е от семьи́** оиладан узоқда яшамоқ (бўлмоқ); ✦ **без ~а от произво́дства** ишдан бўшамасдан, ишлаб туриб; **учи́ться без ~а от произво́дства** ишлаб туриб ўқимоқ.

ОТРЫВА́ТЬ I *несов. см.* **оторва́ть**; **~ть** *кого-л.* **от рабо́ты** кимсани ишдан қўймоқ, ишдан қолдирмоқ, алахситмоқ; **не ~я глаз** *от кого-чего* кўз узмасдан, тикилиб.

ОТРЫВА́ТЬ II *несов. см.* **отры́ть.**

ОТРЫВА́ТЬСЯ I *несов.* 1 *см.* **оторва́ться**; 2 *страд. от* **отрыва́ть** I; ✦ **не ~ясь** кўз узмасдан, тикилиб; **не ~ясь от кни́ги** китобдан кўз узмасдан (бош кўтармай).

ОТРЫВА́ТЬСЯ II *несов.* 1 *см.* **отры́ться**; 2 *страд. от* **отрыва́ть** II.

ОТРЫВИСТО *нареч.* узиб-узиб, бўлиб-бўлиб, қисқа-қисқа қилиб, узуқ-узуқ; **говори́ть ~** узиб-узиб (қисқа-қисқа қилиб) гапирмоқ; **где-то ~ ла́яла соба́ка** қаердандир итнинг узуқ-узуқ вовуллаши эшитиларди.

ОТРЫВИСТЫЙ, -ая, -ое узуқ-узуқ, узуқ-юлуқ, қисқа-қисқа, бўлиниб-бўлиниб чиққан (эшитилган); **~ крик** узуқ-узуқ бақириқ.

ОТРЫВНОЙ, -а́я, -о́е узиб (йиртиб) олинадиган; йиртма; **~ блокно́т** варағи йиртиб олинадиган (йиртма) блокнот; **~ календа́рь** варағи йиртиб олинадиган (йиртма) календарь; **~ тало́н** йиртиб олинадиган талон.

ОТРЫВ/ОК *м, р.* **-вка** парча, бўлак; **~ок из поэ́мы** поэмадан парча; **до нас доноси́лись ~ки разгово́ра** гангир-гунгур (ғўнғир-ғўнғир) гапнинг айрим жойларигина бизга етиб келарди (эшитиларди).

ОТРЫВОЧНОСТЬ *ж* узуқ-юлуқлик, бир-бирига боғланмаганлик; чала-чулпалик; нотўлалик; **~ све́дений** маълумотларнинг нотўлалиги.

ОТРЫВОЧНЫ/Й, -ая, -ое; -чен, -чна 1 узилган, узиб-юлиб олинган, бир-бирига боғланмаган; чала-чулпа, нотўла; **~е мы́сли** бир-бирига боғланмаган фикрлар; **~е зна́ния** нотўла (ундан-бундан юлиб олинган) билим; чала-чулпа билим; **~е воспомина́ния де́тства** болаликдан айрим хотиралар; 2 узуқ-юлуқ, боғланмаган; **~е слова́** бир-бирига боғланмаган сўзлар.

ОТРЫВЧА́ТЫЙ, -ая, -ое *разг. уст.* 1 *то же, что* **отры́вочный** 1; 2 *то же, что* **отры́вистый.**

ОТРЫГА́ТЬ *несов. см.* **отрыгну́ть.**

ОТРЫГА́ТЬСЯ, -а́ется *несов.* 1 *см.* **отрыгну́ться**; 2 *страд. от* **отрыга́ть.**

ОТРЫ́ГИВАТЬ *несов. см.* **отрыгну́ть.**

ОТРЫ́ГИВАТЬСЯ, -ается *несов.* 1 *см.* **отрыгну́ться**; 2 *страд. от* **отры́гивать.**

ОТРЫГНУ́/ТЬ *сов.* (*несов.* **отрыга́ть** и **отры́гивать**) *что* и *чего* кекирмоқ, ўқчимоқ; (ўқчиб) қайтариб чиқармоқ, қайт қилиб ташламоқ; **верблю́д ~л жва́чку** туя кавшалган овқатни қайтариб ташлади.

ОТРЫГНУ́/ТЬСЯ, -нётся *сов.* (*несов.* **отрыга́ться**) 1 ўқчиб ташламоқ, кекирганда оғизга (қайтиб) келмоқ, кекирик билан чиқмоқ; **~лось чесноко́м** кекиригидан саримсоқ ҳиди анқиб кетди; 2 *перен. прост.* ўзига қайтмоқ, қайтиб бирор тарзда таъсир кўрсатмоқ, акс этмоқ, акси урмоқ; **хала́тность ~лась ему́ вы́говором** совуққонлигининг акси уриб хайфсан олди.

ОТРЫ́ЖКА *ж* 1 кекирик; кекириш, ўқчиш; кекириб (ўқчиб) қайтариш; **~ лу́ком** пиёз ҳиди келадиган кекирик; 2 *перен. разг.* сарқит, қолдиқ; **~ суеве́рий** хурофот сарқити; **борьба́ с ~ми ста́рого бы́та** эски турмуш сарқитларига қарши кураш.

ОТРЫ́ТЬ, -рою́, -ро́ешь *сов.* (*несов.* **отрыва́ть** II) 1 *кого-что* ковлаб (қазиб) олмоқ, ковлаб чиқариб олмоқ; **~ зары́тые ве́щи** кўмилган нарсаларни қазиб олмоқ; **~ засы́панных лави́ной** қор кўчкиси (кўчки) босиб қолганларни қазиб олмоқ (қутқармоқ); 2 *перен. что разг.* ковлаштириб топмоқ, қидириб (титкилаб) топиб олмоқ; **где ты отры́л э́ту дикови́ну?** бу ажойиб нарсани қаердан топдинг?; 3 *что воен.* қазимоқ, ковламоқ; қазиб (ковлаб) олмоқ, қурмоқ; **~ око́пы** окоп қазимоқ.

ОТРЫТЬСЯ, -рою́сь, -ро́ешься *сов.* (*несов.* **отрыва́ться** II) *разг.* кўмилган — жойидан ковлаб чиқмоқ, тагидан (очиб) чиқмоқ; **~ из-под обва́ла** босиб қолган нарса тагидан чиқиб олмоқ.

ОТРЯД *м* 1 отряд; **деса́нтный ~** десантчилар отряди; **партиза́нский ~** партизанлар отряди; **~ крейсеро́в** крейсерлар отряди; **пионе́рский ~** пионерлар отряди; **спаса́тельный ~** қутқарувчи отряд; қутқарувчилар отряди; **студе́нческий строи́тельный ~** қурувчи студентлар отряди; **геологоразве́дочный ~** геологик-қидириш отряди; 2 *зоол.* отряд, туркум; **~ ба́бочек** капалаклар отряди (туркуми); **~ грызуно́в** кемирувчилар туркуми.

ОТРЯДИ́/ТЬ, -яжу́, -яди́шь *сов.* (*несов.* **отряжа́ть**) *кого-что* топшириқ билан юбормоқ, жўнатмоқ; **~ть дозо́р** дозор юбормоқ; **Петре́нко ~л связно́го за врачо́м на батальо́нный медпу́нкт** (Овечкин) Петренко врач чақириш учун алоқачини батальон медпунктига юборди.

ОТРЯДНЫЙ, -ая, -ое отрядга оид; отряд...; **~ команди́р** отряд командири; **~ сбор** отряд йиғини.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ОТРЯЖАТЬ *несов. см.* **отряди́ть.**

ОТРЯСА́ТЬ *несов. см.* **отрясти́.**

ОТРЯСТИ́, -су́, -сёшь; -я́с, -ясла́ *сов.* (*несов.* **отряса́ть**) *уст. то же, что* **отряхну́ть**; ✦ ~ (или **отряхну́ть**) **прах от свои́х ног** *книжн.* узил-кесил ажралмоқ, алоқани узмоқ, воз кечмоқ, этагини қоқмоқ, қўлни ювиб, қўлтиққа урмоқ.

ОТРЯХИВАТЬ *несов. см.* **отряхну́ть.**

ОТРЯХИВАТЬСЯ *несов.* 1 *см.* отряхну́ться; 2 *страд. от* **отря́хивать.**

ОТРЯХНУ́ТЬ *сов.* (*несов.* **отря́хивать**) *что* қоқмоқ, силкимоқ; қоқиб (силкитиб) ташламоқ; қоқиб (ёки бир-бирига уриб) тозаламоқ; ~ **пыль с пальто́** пальтонинг чангини қоқиб ташламоқ; ~ **снег с сапо́г** оёқларни бир-бирига уриб этикларни қордан тозаламоқ; ~ **кре́сло** креслони қоқмоқ, креслони қоқиб чангини кетказмоқ; ✦ ~ **прах от свои́х ног** *см.* **отрясти́.**

ОТРЯХНУ́/ТЬСЯ *сов.* (*несов.* **отря́хиваться**) 1 эгнидаги кийим-бошини қоқмоқ, уст-бошини қоқиб ташламоқ, қоқиб (ёки силкиниб) тозалаб олмоқ; ~**ться от сне́га** қоқиб (ёки силкиниб) уст-бошини қордан тозаламоқ (қорни туширмоқ); **ло́шадь** ~**лась от воды́** от силкиниб сувдан тозаланди; 2 *перен.* бирор нарсадан қутулмоқ, халос бўлмоқ; ...ни ташламоқ; ~**ться от ле́ни** дангасаликни ташламоқ, дангасаликдан халос бўлмоқ.

ОТСАДИ́ТЬ, -ажу́, -а́дишь *сов.* (*несов.* **отса́живать**) 1 *кого* бошқа жойга ўтказмоқ (кўчирмоқ); ~ **шалуна́ за отде́льный стол** тўполончи болани алоҳида столга ўтқазмоқ; 2 *кого с.-х.* бошқалардан ажратмоқ, ажратиб қўймоқ, ажратиб боқмоқ; ~ **молодня́к** ёш чорва молларини ажратиб қўймоқ (боқмоқ); 3 *что с.-х.* кўчириб ўтқазмоқ, кўчат қилмоқ; ~ **молоды́е са́женцы** ниҳолларни кўчат қилиб ўтқазмоқ; 4 *что спец.* чўктириб ажратмоқ, сараламоқ (мас., рудани).

ОТСА́ДКА *ж разг. по гл.* **отсади́ть** 2, 3, 4; ~ **теля́т** бузоқларни ажратиб боқиш; ~ **расте́ний** ўсимликларни кўчат қилиб ўтқазиш; ~ **руд** рудани чўктириб ажратиш.

ОТСА́ЖИВАНИЕ *с по гл.* **отса́живать.**

ОТСА́ЖИВАТЬ *несов. см.* **отсади́ть.**

ОТСА́ЖИВАТЬСЯ I *несов. см.* **отсе́сть.**

ОТСА́ЖИВАТЬСЯ II, -ается *несов. страд. от* **отса́живать.**

ОТСАЛЮТОВА́ТЬ, -ту́ю, -ту́ешь *сов.* салют бермоқ.

ОТСАСЫВА́ТЬ *несов. см.* **отсоса́ть** 1, 2.

ОТСВЕТ и **ОТСВЕ́Т** *м* 1 акс этган (тушган) шуъла; ёруғлик (нур) акси; ~ **зарни́цы в ко́мнате** уйга тушаётган шафақ шуъласи; ~**ы вы́стрелов** отишмаларнинг акс этган шуъласи; 2 *перен. чего* зуҳур (ёки акс этган) белги, аломат, ифода; ~ **ра́дости в глаза́х** кўзларда акс этган хурсандлик ифодаси, шодлик белгиси.

ОТСВЕ́ЧИВА/ТЬ *несов.* 1 шуъла (нур) қайтармоқ; тушган нурда товланмоқ; **вода́** ~**ла розова́тым бле́ском** тушаётган шуъладан сув пушти рангда товланарди; 2 акс этмоқ, акси (тасвири) кўринмоқ; **в воде́** ~**ли звёзды** сувда юлдузлар акси кўринарди.

ОТСЕБЯТИ́Н/А *ж разг.* 1 ўзидан (ўзича) қўшилган нарса; **вставля́ть в текст** ~**у** текстга ўзидан (ўзича) нималардир қўшмоқ; 2 ўзича қилинган иш, ҳаракат, ўзбилармонлик; **вноси́ть** ~**у в рабо́ту** ишда ўзбилармонлик қилмоқ.

ОТСЕ́В *м* 1 *по гл.* **отсе́ять** 1, 2 и **отсе́яться** 1, 2; ~ **зерна́** донни элаш, донни элакдан (ғалвирдан) ўтказиш; 2 элашдан қолган нарса, чиқит (мас., чори, тўпон, кепак ва ш. к.); ~ **зерна́** эланган дон чиқити; 3 *перен.* сараланиб чиқиб кетган қисми; **на экза́менах** ~ **абитурие́нтов был невели́к** абитуриентларнинг имтиҳонлардан ўтолмай чиқиб кетган қисми унча кўп бўлмади.

ОТСЕВА́ТЬ *несов. см.* **отсе́ять** 1.

ОТСЕВА́ТЬСЯ, -а́ется *несов.* 1 *см.* **отсе́яться** 1; 2 *страд. от* **отсева́ть.**

ОТСЕ́ВКИ *мн. с.-х.* эланғандан кейин қолган нарса, чиқит (мас., чори, тўпон, кепак ва ш. к.); ~ **про́са** қуноқ тўпони.

ОТСЕИВА́НИЕ *с по гл.* **отсе́ивать** и **отсе́иваться.**

ОТСЕ́ИВАТЬ *несов. см.* **отсе́ять** 1, 2.

ОТСЕИВА́ТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **отсе́яться** 1, 2; 2 *страд. от* **отсе́ивать.**

ОТСЕ́К *м* 1 бўлма (кема, самолёт ва ш. к. да); **хвостово́й** ~ **самолёта** самолёт думига яқин бўлма; ~ **корабля́** кема бўлмаси; 2 оралиқ (фронтда ҳарбий қисмлар орасида бўш қолган жой).

ОТСЕКА́ТЬ *несов. см.* **отсе́чь.**

ОТСЕЛИ́ТЬ *сов.* (*несов.* **отселя́ть**) *кого разг.* бошқа жойга кўчирмоқ, кўчириб бошқа жойга ўрнаштирмоқ; ~ **молодожёнов в но́вую кварти́ру** янги келин-куёвни бошқа квартирага чиқармоқ.

ОТСЕЛИ́ТЬСЯ *сов.* (*несов.* **отселя́ться**) *разг.* бошқа жойга кўчмоқ (кўчиб ўтмоқ); ~ **от роди́телей** ота-она уйидан бошқа жойга (уйга) кўчмоқ.

ОТСЕЛЯ́ТЬ *несов. см.* **отсели́ть.**

ОТСЕЛЯ́ТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **отсели́ться**; 2 *страд. от* **отселя́ть.**

ОТСЕ́СТЬ, -ся́ду, -ся́дешь *сов.* (*несов.* **отса́живаться** 1) бошқа жойга ўтиб ўтирмоқ, нарироқ ўтирмоқ; ~ **от стола́** столдан нарироқ ўтирмоқ; **отся́дь от окна́!** ойнадан нарироқ ўтир!

ОТСЕЧЕ́НИЕ *с по гл.* **отсе́чь**; ✦ **даю́ го́лову на** ~ калламни кесиб ташлайман (онт ибораси).

ОТСЕ́ЧЬ, -еку́, -ечёшь; -е́к, -екла́ *сов.* (*несов.* **отсека́ть**) 1 *что* шартта кесмоқ, кесиб олмоқ, чопиб (кесиб) ташламоқ; ~ **топоро́м сук** шохни болта билан шартта кесиб ташламоқ; 2 *кого-что* ажратиб (узиб, кесиб) қўймоқ, алоқасини узиб қўймоқ; ~ **коммуника́ции** алоқа йўлларини узиб (кесиб) қўймоқ; ~ **отря́д от основны́х сил** отряддан асосий кучларни ажратиб қўймоқ.

ОТСЕ́Я/ТЬ *сов.* 1 (*несов.* **отсева́ть** и **отсе́ивать**) *что* эламоқ, элакдан (ғалвирдан) ўтказмоқ, элакдан (ғалвирдан) ўтказиб ажратмоқ, тозаламоқ; ~**ть со́рное зерно́** ифлос донни элаб (элакдан, ғалвирдан ўтказиб) тозаламоқ; 2 (*несов.* **отсе́ивать**) *перен. кого-что* сараlаб олиб қолмоқ, сарагини саракка, пучагини пучакка чиқармоқ; ~**ть неуспева́ющих** улгурмовчиларни (ўзлаштирмовчиларни) чиқариб юбормоқ; 3 *разг. то же, что* **отсе́яться** 3.

ОТСЕ́Я/ТЬСЯ *сов.* 1 (*несов.* **отсева́ться** и **отсе́иваться**) эланмоқ, элаб тозаланмоқ; **сор** ~**лся** хас-хашак элаб тозаланди; 2 (*несов.* **отсе́иваться**) *перен.* сараланиб (сараги саракка, пучаги пучакка ажралиб) сафдан чиқиб кетмоқ; **часть тури́стов в пути́** ~**лась** туристларнинг бир қисми йўлда сафдан чиқиб кетди; 3 *разг.* экиб бўлмоқ, экишни тамомламоқ, экишдан қутулмоқ; **колхо́зы** ~**лись** жанубдаги колхозлар экишни аллақачон тамомладилар.

ОТСИДЕ/ТЬ, -ижу́, -иди́шь *сов.* (*несов.* **отси́живать**) 1 *что* ноқулай (ёки узоқ) ўтириб бирор аъзосини увуштирмоқ, увуштириб қўймоқ; ~**ть но́гу** оёқни увуштириб қўймоқ; 2 *разг.* маълум вақт ўтирмоқ, ўтириб (кутиб) вақт ўтказмоқ; ~**ть за уро́ками три часа́** дарс тайёрлаб уч соат ўтказмоқ; уч соат дарс тайёрлаб ўтирмоқ; **мы** ~**ли в гостя́х весь ве́чер** биз кечқурунни меҳмондорчиликда ўтказдик; биз бутун кеч меҳмондорчиликда ўтирдик; 3 қамалиб чиқмоқ, ўтириб (ётиб) чиқмоқ, муддатини ўтамоқ; ~**ть срок** жазо муддатини ўтамоқ; **он** ~**л пять лет** у беш йил қамалиб (ётиб) чиқди (чиққан).

ОТСИДЕ/ТЬСЯ, -ижу́сь, -иди́шься *сов.* (*несов.* **отси́живаться**) 1 *разг.* бекиниб ўтирмоқ; қочиб ўтирмоқ, яғириниб ётмоқ; панада ўтириб ўтказмоқ; ~**ться в окопе́ от обстре́ла** отишмадан окопда бекиниб ўтирмоқ; **от дождя́ мы** ~**лись в пала́тке** биз ёмғирдан қочиб палаткада ўтирдик; 2 *прост.* ноқулай (ёки узоқ) ўтиришдан увушиб қолмоқ.

ОТСИДКА *ж прост.* жазо муддатини ўташ; ўтириб (ётиб) чиқиш, қамалиб чиқиш.

ОТСИ́ЖИВАТЬ *несов. см.* **отсиде́ть.**

ОТСИ́ЖИВАТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **отсиде́ться**; 2 *страд. от* **отси́живать.**

ОТСКАБЛИВА́ТЬ *несов. см.* **отскобли́ть.**

ОТСКАБЛИВА́ТЬСЯ, -ается *несов.* 1 *см.* **отскобли́ться**; 2 *страд. от* **отскабли́вать.**

www.ziyouz.com kutubxonasi

ОТСКАКАТЬ, -скачу́, -ска́чешь *сов.* 1 (*несов.* **отска́кивать** I) от қўйиб (ёки сакраб-сакраб) кетмоқ, узоқлашмоқ, бирор жойгача бормоқ, етмоқ; 2 *разг.* от чоптириб (ёки ҳаккалаб) бўлмоқ.

ОТСКАКИВАТЬ I *несов. см.* **отскака́ть** 1.

ОТСКАКИВАТЬ II *несов. см.* **отскочи́ть.**

ОТСКОБЛИ́ТЬ, -облю́, -о́блишь и **-обли́шь** *сов.* (*несов.* **отска́бливать**) *что* қириб ташламоқ, қириб тозаламоқ; ~ **нага́р** қурумни (куйиндини) қириб ташламоқ.

ОТСКОБЛИ/ТЬСЯ, -о́блится и **-обли́тся** *сов.* (*несов.* **отска́бливаться**) *разг.* қирилмоқ, қириб олинмоқ, қиртишлаб тозаланмоқ; **кра́ска хорошо́** ~лась бўёқ яхши қириб тозаланди.

ОТСКО́К *м разг. по гл.* **отскочи́ть** 1, 2; ~ **мяча́** тўпнинг урилиб қайтиши.

ОТСКОЧИ́/ТЬ, -очу́, -о́чишь *сов.* (*несов.* **отка́кивать**) 1 сапчиб қочмоқ, сакраб кетмоқ, ирғиб тушмоқ; лип (дик) этиб бирор томонга ўтмоқ, ташланмоқ, отилмоқ; ~**ть наза́д** орқага сапчиб қочмоқ, орқага ташланмоқ; отилмоқ; **прохо́жий** ~**л в сто́рону** йўловчи лип этиб четга ўтди (ўзини четга олди); йўловчи сапчиб четга қочди; 2 урилиб қайтмоқ, қапчимоқ, сапчимоқ; **мяч** ~**л от стены́** тўп деворга урилиб қайтди; 3 *разг.* узилиб кетмоқ, тушиб кетмоқ, учиб кетмоқ; **пу́говица** ~**ла** тугмача узилиб кетди; **у портфе́ля** ~**л замо́к** портфелнинг қулфи учиб кетди.

ОТСКРЕБА́ТЬ *несов. см.* **отскрести́.**

ОТСКРЕСТИ́, -ребу́, -ребёшь; -рёб, -ребла́ *сов.* (*несов.* **отскреба́ть**) *что разг.* қиртишлаб тозаламоқ, қириб-қиртишламоқ; ~ **дно кастрю́ли** кастрюль тагини қириб тозаламоқ; ~ **крыльцо́** остонани қириб-қиртишламоқ.

ОТСЛА́ИВАНИЕ *с по гл.* **отсла́ивать** и **отсла́иваться; ~ коры́** пўстлоқнинг қатма-қат бўлиши, қатлам-қатлам бўлиб кўчиш; пўстлоқни қатламлаб кўчириш.

ОТСЛА́ИВАТЬ *несов. см.* **отслои́ть.**

ОТСЛА́ИВАТЬСЯ, -ается *несов.* 1 *см.* **отслои́ться**; 2 *страд. от* **отсла́ивать.**

ОТСЛОЕ́НИ/Е *с* 1 *по гл.* **отслои́ть** и **отслои́ться; 2** *мн.* ~**я** қатлам, кўчкан (ёки чўккан) қатлам; **песча́ные** ~**я** қум қатлами, қумлоқ қатлам.

ОТСЛОИ́ТЬ *сов.* (*несов.* **отсла́ивать**) *что* қат-қат (қатлам-қатлам) қилиб кўчирмоқ; қат-қат қилиб чўктирмоқ.

ОТСЛОИ/ТЬСЯ, -и́тся *сов.* (*несов.* **отсла́иваться**) қатқат (қатлам-қатлам) бўлиб кўчмоқ (ёки чўкмоқ, ўтирмоқ); қатланмоқ, қатламланмоқ; **штукату́рка** ~**лась** сувоқ қатлам-қатлам бўлиб кўчибди.

ОТСЛОЙКА *ж* 1 *разг.* и *спец. по гл.* **отслои́ть** и **отслои́ться; 2** *спец.* кўчкан (ёки чўккан, ўтирган) қатлам, қат.

ОТСЛУЖИВАТЬ *несов. см.* **отслужи́ть** 3, 4.

ОТСЛУЖИ́ТЬ *сов.* 1 хизматини адо қилмоқ (ўтамоқ); хизмат қилиб бўлмоқ; бирор муддат хизмат қилмоқ; ~ **два го́да на Се́вере** Шимолда икки йил хизмат қилмоқ; ~ **сверхсро́чную слу́жбу** белгиланган муддатдан ташқари хизматни адо қилмоқ; 2 кийилавериб (тутилавериб) эскирмоқ (тўзимоқ, ишдан чиқмоқ); ўз хизматини қилиб бўлмоқ; **боти́нки своё отслужи́ли** ботинка хизматини қилиб бўлди (ишдан чиқди); ботинкада ҳақ қолмади; 3 (*несов.* **отслу́живать**) *что* хизмат қилиб қайтармоқ (узмоқ); 4 (*несов.* **отслу́живать**) *что* ибодат қилиб бўлмоқ; ибодатни тамомламоқ; ~ **моле́бен** ибодатни адо этиб бўлмоқ; ~ **панихи́ду** мотам мажлисини (маросимини) тамом қилмоқ.

ОТСМЕИВАТЬСЯ *несов. разг.* жавоб ўрнида кулмоқ (кулиб қўя қолмоқ), кулги билан қутулмоқ (ёки жавоб бермоқ), кулгига олмоқ; ~ **в отве́т на замеча́ние** танбеҳга жавобан кулмоқ, танбеҳни кулгига олмоқ.

ОТСНЯ́ТЬ, -ниму́, -ни́мешь *сов. кого-что* суратга олиб бўлмоқ; суратга олишни тамомламоқ; ~ **но́вый фильм** янги фильмни суратга олиб бўлмоқ.

ОТСНЯ́ТЬСЯ, -нимусь, -ни́мешься *сов. разг.* суратга тушмоқ, сурат олдирмоқ; ~ **в кинофи́льме** кинофильмда суратга олинмоқ; ~ **в ро́ли поэ́та** шоир ролида кинога олинмоқ.

ОТСОВЕТОВАТЬ *сов. с неопр.* маслаҳат бериб қайтармоқ, фикридан (ниятидан, шаҳдидан ва ҳ. к.) айнитмоқ; ~ **меня́ть профе́ссию** касбини ўзгартиш фикридан қайтармоқ.

ОТСОЕДИНИ́ТЬ *сов.* (*несов.* **отсоединя́ть**) *что* ажратмоқ, узмоқ; узиб (ажратиб) қўймоқ; чиқариб олмоқ; ~ **прице́п** прицепни ажратмоқ; ~ **провода́** симларни узиб қўймоқ.

ОТСОЕДИНИ/ТЬСЯ, -и́тся *сов.* (*несов.* **отсоединя́ться**) ажралмоқ, узилмоқ, узилиб қолмоқ, чиқиб кетмоқ; **вагоны** ~**лись** вагонлар узилиб қолди (қолибди, кетибди).

ОТСОЕДИНЯ́ТЬ *несов. см.* **отсоедини́ть.**

ОТСОЕДИНЯ́ТЬСЯ, -я́ется *несов. см.* **отсоедини́ться.**

ОТСОРТИРОВА́ТЬ, -рую́, -ру́ешь *сов.* (*несов.* **отсортиро́вывать**) *что* хилларга ажратмоқ, сараламоқ, хилламоқ; саралаб қўймоқ; ~ **карто́фель** картошкани сараламоқ (хилламоқ); картошкани саралаб (хиллаб) қўймоқ.

ОТСОРТИРОВЫВАТЬ *несов. см.* **отсортирова́ть.**

ОТСОСА́ТЬ *сов.* 1 (*несов.* **отса́сывать**) *что* и *чего* сўрмоқ, сўриб (ёки эмиб) олмоқ; эмиб қўймоқ; ~ **молока́ из буты́лки** шишадаги сутни сўриб ичиб қўймоқ; 2 (*несов.* **отса́сывать**) *что тех.* тортиб олмоқ, чиқариб ташламоқ (насос ва ҳ. к. билан); ~ **во́ду из котлова́на** котловандаги сувни насос билан чиқариб ташламоқ; 3 *разг.* сўриб (ёки эмиб) бўлмоқ.

ОТСОХ/НУТЬ, -о́хнет; -о́х, -о́хла *сов.* (*несов.* **отсыха́ть**) 1 қуримоқ, қуриб қолмоқ; **ве́тви абрико́са** ~**ли** ўрикнинг шохлари қуриб қолди; 2 *перен. разг.* жонсиз (шол) бўлиб қолмоқ, қуриб қолмоқ; ✦ ~**ни у меня́ язы́к** (или **рука́**) қўлим (ёки тилим) кесилсин, агар... (онт ибораси); ~**ни у меня́ язы́к, е́сли лгу!** тилим кесилсин, агар ёлғон гапираётган бўлсам.

ОТСРО́ЧИВАТЬ *несов. см.* **отсро́чить.**

ОТСРО́ЧИ/ТЬ *сов.* (*несов.* **отсро́чивать**) *что* 1 кейинга қолдирмоқ, кейинга сурмоқ, кечиктирмоқ, муҳлат бермоқ; ~**ть отъе́зд** кетишни кейинга сурмоқ; **экза́мен** ~**ли** имтиҳонни кейинга қолдирдилар; 2 муҳлатини чўзмоқ; муддатини узайтирмоқ; ~**ть па́спорт** паспорт муддатини чўзмоқ.

ОТСРО́ЧК/А *ж, р. мн.* **-чек** 1 кейинга қолдириш, кейинга суриш, кечиктириш, муҳлат бериш, муҳлат; ~**а исполне́ния приго́вора** ҳукм ижросини кейинга қолдириш; **дать** ~**у** муҳлат бермоқ; **получи́ть** ~**у** муҳлат (қўшимча вақт) олмоқ; 2 муҳлатини чўзиш, муддатини узайтириш; ~**а па́спорта** паспорт муддатини чўзиш.

ОТСТАВАНИЕ *с* 1 *по гл.* **отста́ть** 1—6; ~ **по́езда на час** поезднинг бир соат кечикиши; ~ **часо́в** соатнинг орқада қолиши; ~ **от гра́фика** графикдан орқада қолиш; 2 қолоқлик, орқада қолиш, орқада қолганлик; ~ **в ро́сте** ўсишда (ривожланишда) орқада қолиш (орқада қолганлик); **ликвиди́ровать** ~ **в рабо́те** ишдаги қолоқликни тугатмоқ.

ОТСТАВАТЬ, -таю́, -таёшь; -та́л, -та́ла *несов. см.* **отста́ть.**

ОТСТАВИТЬ, -влю, -вишь *сов.* (*несов.* **отставля́ть**) 1 *что* нарига (бирор томонга) сурмоқ, суриб (итариб) қўймоқ; ~ **стул от окна́** стулни деразадан нарига суриб қўймоқ; **отста́вь сто́лик в сто́рону** столчани бир четга суриб қўй; 2 *кого уст.* четлатмоқ, четлаштирмоқ, узоқлаштирмоқ, бўшатмоқ, ишдан олмоқ; ~ **от до́лжности** вазифасидан четлатмоқ (бўшатмоқ); 3 ~*!* бекор!; бошқатдан! (команда).

ОТСТА́ВК/А *ж* ишдан бўшаш, хизматдан бутунлай бўшаб кетиш, истеъфо бериш, истеъфо; **вы́йти в** ~**у** истеъфога чиқмоқ; **пода́ть в** ~**у** истеъфо бермоқ, ишдан бўшатилишини талаб қилмоқ; **полко́вник в** ~**е** истеъфодаги полковник; ✦ ~**а прави́тельства (кабине́та)** ҳукуматнинг (кабинетнинг) истеъфо бериши (истеъфога чиқиши).

ОТСТАВЛЯ́ТЬ *несов. см.* **отста́вить** 1, 2.

ОТСТА́ВНОЙ, -а́я, -о́е истеъфога чиққан, истеъфо берган, истеъфодаги; ~ **полко́вник** истеъфодаги (истеъфога чиққан) полковник.

ОТСТА́ИВАНИЕ I *с по гл.* **отста́ивать**; ~ **де́ла ми́ра** тинчлик ишини ҳимоя қилиш; ~ **населённого пу́нкта** аҳоли пунктини мудофаа қилиш.

ОТСТА́ИВАНИЕ II *с по гл.* **отста́иваться; ~ молока́** сутни тиндириш, сутнинг тиниши.

ОТСТА́ИВАТЬ I *несов. см.* отстоя́ть I.

ОТСТА́ИВАТЬ II *несов. см.* отстоя́ть II, 1.

ОТСТА́ИВАТЬСЯ I, -ается *несов. см.* **отстоя́ться.**

www.ziyouz.com kutubxonasi

ОТСТАИВА/ТЬСЯ II *несов. разг.* қочиб (бекиниб) турмоқ, ўзини панага (хавфсиз жойга) олиб ўтказмоқ; **во врéмя штóрма флотúлия ~лась в бýхте** шторм вақтида флотилия кўрфазда бекиниб турди; флотилия ўзини кўрфазга олиб штормни ўтказди.

ОТСТАИВАТЬСЯ III, -ается *несов. страд. от* **отстáивать** I.

ОТСТАЛОСТЬ *ж* қолоқлик, орқада қолиш, орқада қолганлик; **техни́ческая ~** техника жиҳатидан қолоқлик; **у́мственная ~** ақлий қолоқлик; **~ в физи́ческом разви́тии** жисмоний ривожланишдан орқада қолганлик.

ОТСТА́Л/ЫЙ, -ая, -ое 1 *уст.* кейинда (орқада) қолган, орқада (йўлда) қолиб кетган; **~ый журна́вль** орқада қолиб кетган турна; 2 орқада қолган, яхши ўсмаган (ривожланмаган); тараққий этмаган, қолоқ; **~ая страна́** қолоқ мамлакат, тараққий қилмаган (яхши ривожланмаган) мамлакат; **~ый челове́к** қолоқ (тушунчаси чекланган) одам, орқада (жаҳолатда) қолган одам; **у́мственно ~ый** ақлий қолоқ; **физи́чески ~ый ребёнок** жисмоний жиҳатдан яхши ривожланмаган бола; нимжон бола; 3 қолоқ, замонга тўғри келмайдиган; **~ые взгля́ды** қолоқ фикрлар (дунёқарашлар); **4** *в знач. сущ.* **~ый** *м* 1) орқада (жаҳолатда) қолган одам; 2) орқада (кейинда, йўлда) қолиб кетган одам (ёки ҳайвон, парранда ва ҳ. к.); **торопи́ть ~ых** орқада қолганларни тезлатмоқ (шоширмоқ).

ОТСТА́/ТЬ, -а́ну, -а́нешь *сов.* (*несов.* **оставáть**) **1** *от кого-чего* орқада қолмоқ, орқада қолиб кетмоқ; **~ть от свои́х спу́тников** ҳамроҳларидан орқада қолмоқ; **де́ти ~ли на не́сколько шагóв** болалар бир неча қадам орқада қолдилар; **2** *от чего разг.* кечикиб қолмоқ, қолиб кетмоқ; **~ть от по́езда** поезддан кечикиб қолмоқ, поезддан қолиб кетмоқ; **3** орқада қолмоқ (ишда, ўқишда, ривожланишда ва ҳ. к.); **~ть от това́рищей в учёбе** ўқишда ўртоқларидан орқада қолмоқ; **~ть в выполне́нии пла́на** планни бажаришда орқада қолмоқ; **~ть в ро́сте** ўсишдан орқада қолмоқ; **~ть от жи́зни** ҳаётдан орқада қолмоқ; **что́бы не ~ть от други́х** бошқалардан орқада қолмаслик учун; бошқалардан қолишмаслик учун; **4** орқада қолмоқ, кечикмоқ, секин юрмоқ (соат ҳақида); **часы́ ~ли на две мину́ты** соат икки минут орқада (қолибди); **5** ажралиб кетмоқ, кўчиб кетмоқ, кўчиб чиқмоқ (тушмоқ); **обо́и ~ли** гулқоғозлар кўчиб кетибди; **6** *разг.* кетмоқ, йўқолмоқ, йўқ бўлмоқ; **пятно́ не ~ло и по́сле сти́рки** ювгандан кейин ҳам доғ кетмади; **7** *перен. от кого-чего разг.* алоқани (муносабатни) узмоқ, узоқлашмоқ, ажралмоқ; ташламоқ; қўймоқ, тарк этмоқ; **~ть от пре́жних друзе́й** собиқ дўстлардан ажралмоқ; **он ~л от на́шей компа́нии** у бизнинг компаниямиздан (улфатчилигимиздан) чиқиб кетди; **~ть от ста́рых привы́чек** эски одатларини ташламоқ; **8** *от кого разг.* тинч қўймоқ, хиралигини ташламоқ; **~нь от меня́!** мени тинч қўй; менга хиралик қилаверма!

ОТСТЕГА́ТЬ *сов. кого* қамчиламоқ, саваламоқ, калтакламоқ; **~ прутóм** хипчин билан саваламоқ.

ОТСТЁГИВАТЬ *несов. см.* **отстегну́ть.**

ОТСТЁГИВАТЬСЯ, -ается *несов.* **1** *см.* **отстегну́ться; 2** *страд. от* **отстёгивать.**

ОТСТЕГНУ́ТЬ *сов.* (*несов.* **отстёгивать**) *что* ечмоқ, ечиб қўймоқ; **~ воротни́к** ёқани (ёқа тугмасини) ечмоқ (ечиб қўймоқ); **~ крючóк** илгакни ечмоқ.

ОТСТЕГНУ/ТЬСЯ, -нётся *сов.* (*несов.* **отстёгиваться**) ечилмоқ, ечилиб кетмоқ; **воротни́к ~лся** ёқа ечилиб кетди (кетибди).

ОТСТИРА́ТЬ *сов.* **1** (*несов.* **отсти́рывать**) *что* ювмоқ, ювиб тозаламоқ, ювиб (доғини, кирини) кетказмоқ; **~ пятно́** доғни ювиб кетказмоқ; **~ бельё** кир ювмоқ; **2** *разг.* ювишни тугатмоқ, кир ювиб бўлмоқ, кир ювишдан қутулмоқ.

ОТСТИРА/ТЬСЯ, -а́ется *сов.* **1** (*несов.* **отсти́рываться**) ювилмоқ, ювилиб кетмоқ, ювилиб тозаланмоқ, тоза бўлмоқ; **ска́терть не ~лась** дастурхон яхши ювилмади (ювилмабди); **пятно́ ~лось** доғ ювилиб кетди; **2** *прост. то же, что* **отстира́ть** 2.

ОТСТИ́РЫВАТЬ *несов. см.* **отстира́ть** 1.

ОТСТИ́РЫВАТЬСЯ, -ается *несов.* **1** *см.* **отстира́ться** 1; **2** *страд. от* **отсти́рывать.**

ОТСТОЙ *м* қуйқум, қуйқа, **чўкинди, лойқа; ~ ко́фе** кофе қуйқуми; **~ на дне ба́ка** бак тубидаги чўкинди (лойқа).

ОТСТО́ЙНИК *м тех.* тиндиргич; **очи́стка воды́ в ~е** сувни тиндиргичда тозаламоқ.

ОТСТО́ЙН/ЫЙ, -ая, -ое *тех.* тиндирадиган, тиндириш учун хизмат қиладиган; тиндириш...; тиндиргич...; **~ый бак** тиндириш баки; **~ая ка́мера** тиндириш камераси, тиндиргич камера.

ОТСТОЯ́ТЬ I *сов.* (*несов.* **отста́ивать** I) *кого-что* **1** ҳимоя қилмоқ, мудофаа (муҳофаза) қилмоқ, сақлаб қолмоқ, қўриқламоқ; **~ де́ло ми́ра** тинчлик ишини ҳимоя қилмоқ; **~ ро́дину** ватанни ҳимоя қилмоқ; **~ свою́ незави́симость** ўз мустақиллигини сақлаб қолмоқ; **2** ҳимоя қилмоқ, қувватламоқ, ёқламоқ; **~ свою́ то́чку зре́ния** ўз фикрини ҳимоя қилмоқ; **мне удало́сь ~ его́** мен уни ҳимоя қила олдим.

ОТСТОЯ́ТЬ II *сов.* **1** (*несов.* **отста́ивать II**) маълум вақт тик турмоқ, тик туриб ўтказмоқ, туриб бўлмоқ; **~ два часа́ в о́череди** икки соат навбатда (навбат кутиб) турмоқ; **~ ва́хту** вахтада туриб бўлмоқ, вахтадан қутулмоқ; **2** *разг.* тик туриб чарчатмоқ, ҳоритмоқ (оёқларни).

ОТСТО́/ЯТЬ III *несов.* маълум масофада (узоқликда) бўлмоқ (жойлашмоқ); **гости́ница ~и́т в пяти́ мину́тах ходьбы́ от вокза́ла** вокзалдан меҳмонхонагача беш минутли йўл бор, меҳмонхона вокзалдан беш минутлик масофада (нарида) жойлашган.

ОТСТОЯ́/ТЬСЯ, -ойтся *сов.* (*несов.* **отста́иваться** I) **1** тинмоқ, ўтирмоқ, чўкмоқ; **вода́ ~лась** сув тинди (тиниб тоза бўлди); **2** *перен.* етилмоқ, қатъийлашмоқ, қатъий бўлмоқ (ўй, фикр, ният, план ва ш. к. ҳақида); **моё мне́ние ~лось оконча́тельно** менинг фикрим қатъийлашди, мен қатъий бир фикрга келдим.

ОТСТРА́ГИВАТЬ *несов. см.* **отстрога́ть** 1, 2.

ОТСТРАДА́ТЬ *сов.* қийналиб (азоб чекиб) бўлмоқ, азоб-уқубатдан қутулмоқ.

ОТСТРА́ИВАТЬ *несов. см.* **отстро́ить** 1, 2.

ОТСТРА́ИВАТЬСЯ *несов.* **1** *см.* **отстро́иться; 2** *страд. от* **отстра́ивать.**

ОТСТРАНЕ́НИЕ *с по гл.* **отстрани́ть** и **отстрани́ться** 2; **~ от до́лжности** вазифасидан бўшатиш (четлаштириш); **~ от борьбы́** курашдан ўзини четга олиш (узоқлашиш, қочиш).

ОТСТРАНИ/ТЬ *сов.* (*несов.* **отстраня́ть**) **1** *что* ўзидан четга (нарига) сурмоқ, итармоқ, итариб қўймоқ (юбормоқ); **[Ла́птев] осторо́жно ~л ру́ку...** (Чехов) [Лаптев] унинг қўлини оҳистагина итариб қўйди; **[Трактори́ст] не совсе́м ве́жливо ~л его́ ло́ктем** (С. Антонов) [Тракторчи] уни тирсаги билан қўполгина итариб юборди; **2** *кого* бўшатмоқ, олмоқ, четлатмоқ, четлаштирмоқ, ҳайдамоқ, аралаштирмай қўймоқ; **~ть от рабо́ты** ишдан бўшатмоқ (олмоқ ёки ҳайдамоқ); **~ть** *кого-л.* **от дел** бирор кимсани ишдан четлаштирмоқ, ишга аралаштирмай қўймоқ; **3** *перен.* ўзидан соқит қилмоқ, бошқаларга юкламоқ; **~ть от себя́ все забо́ты** ўзини ҳамма ташвишдан соқит қилмоқ.

ОТСТРАНИ́ТЬСЯ *сов.* (*несов.* **отстраня́ться**) **1** четга (нарига) сурилмоқ, бирор томонга ўтмоқ; ўзини бирор томонга олмоқ; **~ от стола́** столдан нари сурилмоқ; **2** ўзини четга олмоқ, четлашмоқ, аралашмай қўймоқ, қочмоқ; **~ от уча́стия** *в чём-л.* бирор ишда қатнашишдан қочмоқ; бирор ишга аралашмай қўймоқ; **~ от дел** ишдан ўзини олиб қочмоқ (четлашмоқ).

ОТСТРАНЯ́ТЬ *несов. см.* **отстрани́ть.**

ОТСТРАНЯ́ТЬСЯ *несов.* **1** *см.* **отстрани́ться; 2** *страд. от* **отстраня́ть.**

ОТСТРА́ЧИВАТЬ *несов. см.* **отстрочи́ть.**

ОТСТРЕ́Л *м* **1** *охот.* отиш, отиб олиш; **~ кабано́в** ёввойи чўчқаларни отиш (отиб олиш); **2** *спец.* очилиш, очилиб кетиш; **~ лю́ка парашю́та** парашют туйнугининг очилиши.

ОТСТРЕ́ЛИВАТЬ *несов. см.* **отстрели́ть** и **отстреля́ть** 1.

ОТСТРЕ́ЛИВАТЬСЯ *несов.* **1** *см.* **отстреля́ться** 1; **2** *страд. от* **отстре́ливать.**

ОТСТРЕЛИ́/ТЬ *сов. что* **1** (*несов.* **отстре́ливать**) *разг.* ўқ олиб кетмоқ, ўқ тегизиб учириб (чўрт узиб) юбормоқ; **~ть па́лец** бармоғини ўқ олиб кетмоқ; **2** *спец.* очмоқ; **~ть**

www.ziyouz.com kutubxonasi

крышку катапу́льтного лю́ка парашют туйнуги эшигини очмоқ.

ОТСТРЕЛЯ́ТЬ *сов.* 1 (*несов.* **отстре́ливать**) *кого охот.* отмоқ, отиб олмоқ; ~ **сайга́ков** оққуйруқларни отмоқ (отиб олмоқ); 2 *что разг.* отиб тугатмоқ; ~ **две обо́ймы** икки обойма ўқни отиб тугатмоқ; 3 *разг.* отишни тамомламоқ, отиб бўлмоқ.

ОТСТРЕ́ЛЯТЬСЯ *сов.* 1 (*несов.* **отстре́ливаться**) ўқ отиб ўзини ҳимоя қилмоқ, сақлаб қолмоқ; 2 *разг. то же, что* **отстреля́ть** 3.

ОТСТРИГА́ТЬ *несов. см.* **отстри́чь.**

ОТСТРИ́ЧЬ, -игу́, -ижёшь; -и́г, -и́гла *сов.* (*несов.* **отстрига́ть**) *что* олмоқ, қирқмоқ, олиб (қирқиб) ташламоқ; ~ **во́лосы** сочини олмоқ.

ОТСТРОГА́ТЬ *сов.* 1 (*несов.* **отстра́гивать**) *что* рандалламоқ, рандалаб текисламоқ, силлиқламоқ; ~ **до́ску** тахтани рандаламоқ; 2 (*несов.* **отстра́гивать**) *что* рандалаб ташламоқ, рандалаб йўқотмоқ; 3 рандалашни тамомламоқ, рандалаб бўлмоқ.

ОТСТРО́/ИТЬ *сов.* 1 (*несов.* **отстра́ивать**) *что* қурмоқ, қуриб битказмоқ, қуриб бўлмоқ; ~**ить дворе́ц пионе́ров** пионерлар саройини қуриб битказмоқ; **э́ти дома́ то́лько что ~ены** бу уйлар яқиндагина қурилди; 2 (*несов.* **отстра́ивать**) *что* қайта қурмоқ, тиклamоқ; **дом ещё не ~ен по́сле пожа́ра** ёнғиндан кейин уй ҳали тикланган йўқ; 3 *разг.* қуриб бўлмоқ, қуришни тамомламоқ, қуришдан (қурилишдан) қутулмоқ.

ОТСТРО́И/ТЬСЯ *сов.* (*несов.* **отстра́иваться**) 1 қуриб олмоқ, уйини (қурилишини) битирмоқ, битириб олмоқ; **они́ ещё не ~лись** улар уйларини (қурилишини) битириб олганича йўқ; 2 қайта қурилмоқ, тикланмоқ; **го́род по́лностью ~лся по́сле землетрясе́ния** зилзиладан кейин шаҳар тўла тикланди.

ОТСТРО́ЧИТЬ *сов.* (*несов.* **отстра́чивать**) *что разг.* тиқиб чиқмоқ, бахяламоқ (машинада), тепчимоқ; ~ **воротни́к** ёқани бахяламоқ.

ОТСТУ́КАТЬ *сов.* (*несов.* **отсту́кивать**) *что разг.* 1 уриб (чертиб, тақиллатиб) бирор белги бермоқ; ~ **такт** мақомга чертмоқ, чалмоқ; ~ **па́льцем мело́дию** бармоқлар билан чертиб куй чалмоқ; 2 босмоқ, ёзмоқ (машинкада); ~ **на маши́нке спра́вку** машинкада справка ёзмоқ (босмоқ).

ОТСТУ́КИВАТЬ *несов. см.* **отсту́кать.**

ОТСТУП *м* хат боши, сатр боши; **набра́ть текст с ~ом** текстни хат бошидан термоқ.

ОТСТУПА́ТЕЛЬНЫ/Й, -ая, -ое чекинишга (орқага қайтишга) оид; чекинишдаги; чекиниш...; ~**е бои́** чекиниш жанглари, чекинишдаги жанглар; ~**е манёвры** чекиниш маневрлари.

ОТСТУПА́ТЬ *несов. см.* **отступи́ть.**

ОТСТУПА́ТЬСЯ *несов. см.* **отступи́ться.**

ОТСТУПИ/ТЬ, -уплю́, -у́пишь *сов.* (*несов.* **отступа́ть**) 1 ўзини орқага (нарига) олмоқ, нари кетмоқ; чекинмоқ, тисланмоқ, тисарилмоқ; ~**ть впра́во** ўнг томонга чекинмоқ (ўтмоқ), ўзини ўнг томонга олмоқ; ~**ть от окна́** деразадан нари кетмоқ; ~**ть наза́д** орқага чекинмоқ; **он ~л на не́сколько шаго́в** у бир неча қадам орқага тисарилди; 2 *перен.* қайтмоқ, чекинмоқ, нари кетмоқ, узоқлашмоқ; **во́лны ~ли** тўлқинлар қайтди; **леса́ ~ли от городо́в** ўрмонлар шаҳарлардан узоқлашди; 3 орқага қайтмоқ, чекинмоқ; **неприя́тель ~л** душман чекинди (орқага қайтди); ~**ть без бо́я** жангсиз чекинмоқ; 4 *перен. перед чем* юраги дов бермай қочмоқ, қайтмоқ, чекинмоқ, тоб (бардош) беролмаслик; **он ~л пе́ред тру́дностями** у қийинчиликларга тоб беролмади; 5 *от чего* воз кечмоқ, қайтмоқ, айнимоқ, бузмоқ, амал (риоя) қилмай қўймоқ, четга чиқмоқ; ~**ть от ве́ры** динидан қайтмоқ; ~**ть от кля́твы** қасамини бузмоқ; ~**ть от свои́х убежде́ний** ўз маслагидан (эътиқодидан) воз кечмоқ; 6 хат бошидан (жой қолдириб) бошламоқ.

ОТСТУПИ́ТЬСЯ, -уплю́сь, -у́пишься *сов.* (*несов.* **отступа́ться**) 1 воз кечмоқ, баҳридан ўтмоқ, қайтмоқ, қўймоқ; ~ **от наме́рения** ниятидан қайтмоқ; ~ **от свои́х тре́бований** талабларидан қайтмоқ; 2 сўзидан (лафзидан, ваъдасидан) қайтмоқ, айнимоқ, бузмоқ; ~ **от обеща́ния** ваъдасидан қайтмоқ, бузмоқ; **дал сло́во — не отступи́сь** сўз бердими бажараман, ваъдамдан қайтмайман; 3 тарк этмоқ, ташламоқ, қўймоқ, воз кечмоқ, юз ўгирмоқ; **това́рищи отступи́лись от него́** ўртоқлари ундан юз ўгиришди.

ОТСТУПЛЕ́НИЕ *с* 1 *воен.* чекиниш, орқага қайтиш; ~ **по всему́ фро́нту** бутун фронт бўйлаб чекиниш; **такти́ческое ~** тактик чекиниш; 2 воз кечиш, четга чиқиш, қайтиш, айниш, бузиш, риоя (амал) қилмай қўйиш; ~ **от пра́вила** қоидани бузиш, қоидадан четга чиқиш; ~ **от прав** *на что-л.* бирор нарсага бўлган ҳуқуқдан воз кечиш; ~ **от но́рмы** нормадан воз кечиш, нормаларга риоя қилмаслик; 3 четга чиқиш (мавзудан); **здесь на́до сде́лать небольшо́е ~** бу ерда бир оз четга чиқиш (темадан четга чиқиш) лозим бўлади.

ОТСТУ́ПНИК *м* маслагидан (эътиқодидан, сўзидан ва ҳ. к.) қайтган одам, муртад.

ОТСТУ́ПНИЦА *ж см.* **отсту́пник.**

ОТСТУ́ПНИЧЕСК/ИЙ, -ая, -ое муртадга, муртадликка оид, муртадликдан иборат бўлган; муртадлик...; ~**ое поведе́ние** муртадликдан иборат хатти-ҳаракат.

ОТСТУ́ПНИЧЕСТВО *с* маслагидан қайтиш, қайтганлик, муртадлик.

ОТСТУПН/О́Й, -а́я, -о́е 1 *уст.* воз кечишга оид, воз кечиш учун талаб қилинадиган; воз кечиш...; ~**ы́е де́ньги** воз кечиш музди; воз кечиш учун талаб қилинадиган ҳақ; 2 *в знач. сущ.* ~**о́е** *с разг.* воз кечиш музди; воз кечиш учун талаб қилинган ҳақ; **дать сто рубле́й ~о́го** воз кечиши учун юз сўм бермоқ.

ОТСТУПЯ́ 1 *деепр. от* **отступи́ть**; 2 *нареч.* бир оз жой қолдириб, чекиниб, бир оз нарироқда; ~ **два шага́** икки қадам чекиниб; икки қадам нарироқда; **нача́ть строку́ ~** бир оз жой қўйиб (қолдириб) сатрни бошламоқ.

ОТСТУЧА́ТЬ *сов. что* 1 *то же, что* **отсту́кать**; 2 тақирлатиб бўлмоқ.

ОТСУДИ́ТЬ, -ужу́, -у́дишь *сов. разг.* (*несов.* **отсу́живать**) *кого-что разг.* судлашиб олмоқ, қўлга киритмоқ; ~ **наследство** судлашиб мерос олмоқ.

ОТСУ́ЖИВАТЬ *несов. см.* **отсуди́ть.**

ОТСУТСТВИ/Е *с* 1 йўқлик, ҳозир (бор эмаслик); **его́ ~е бы́ло заме́чено** унинг йўқлиги билинди; **в на́ше ~е** бизнинг йўқлигимизда; **в ~е** *кого-л.* кимса йўқлигида, кимса йўқ вақтида; ўзи йўқнинг кўзи йўқ қилиб; 2 йўқлик, мавжуд эмаслик, етишмаслик; ~**е вре́мени** вақтнинг йўқлиги; ~**е сырья́** хомашёнинг йўқлиги; **из-за ~я кво́рума** кворум бўлмагани (етишмагани) учун; ✦ ~**е вся́кого прису́тствия** *у кого шутл.* кимсада фаҳму фаросатнинг мутлақо йўқлиги, мутлақо бефаросатлик.

ОТСУ́ТСТВ/ОВАТЬ *несов.* 1 йўқ бўлмоқ, ҳозир бўлмаслик; қатнашмаслик; ~ **овать на ле́кции по уваже́тельной причи́не** узрли сабаб билан лекцияда бўлмаслик (қатнашмаслик); **почему́ вы вчера́ ~овали?** нега сиз кеча йўқ эдингиз?; ~**овать в спи́ске** рўйхатда йўқлик; рўйхатда ёзилмаганлик; 2 йўқ бўлмоқ, етарли даражада мавжуд бўлмаслик; **у больно́го ~ует аппети́т** беморнинг иштаҳаси йўқ.

ОТСУ́ТСТВУЮЩИ/Й, -ая, -ее 1 *прич. от* **отсу́тствовать**; 2 *в знач. прил.* бирор маъно билдирмайдиган, маъносиз, лоқайд, бефарқ; ~**й взгляд** маъносиз боқиш; **сиде́ть с ~м выраже́нием лица́** лоқайд чеҳра билан ўтирмоқ; 3 *в знач. сущ.* ~**е** *мн.* йўқлар, келмаганлар, қатнашмаганлар, ҳозир бўлмаганлар; **сего́дня ~х нет** бугун келмаганлар йўқ; **спи́сок ~х** йўқлар (келмаганлар) рўйхати.

ОТСЧЁТ *м* санаш, санаб чиқиш; саноқ; **оши́бка в ~е** саноқдаги (санашдаги) хато; **нача́ло ~а** санаш (саноқ) бошланган жой (пайт); **то́чка ~а** саноқ боши.

ОТСЧИТА́ТЬ *сов.* (*несов.* **отсчи́тывать**) *кого-что* санамоқ, санаб ўтказмоқ, санаб (ўлчаб) чиқмоқ; санаб ажратмоқ, санаб бўлмоқ, бермоқ; ~ **несколько шаго́в** бир неча қадам ўлчаб босмоқ.

ОТСЧИ́ТЫВАНИЕ *с по гл.* **отсчи́тывать.**

ОТСЧИ́ТЫВАТЬ *несов. см.* **отсчита́ть.**

ОТСЫЛА́ТЬ *несов. см.* **отосла́ть.**

ОТСЫЛКА *ж, р. мн.* **-лок** 1 *по гл.* **отосла́ть**; ~ **письма́** хат жўнатиш; ~ **дете́й в пионерла́герь** болаларни пионерлар лагерига юбориш; 2 ҳавола, ҳавола қилиш; ~ к перво-

www.ziyouz.com kutubxonasi

исто́чнику биринчи манбага ҳавола; **систе́ма отсы́лок в словаре́** луғатда ҳавола системаси.

ОТСЫПА́ТЬ, -плю, -плешь *сов.* (*несов.* **отсыпа́ть**) 1 *что* и *чего* бир қисмини бошқа идишга тўкмоқ, солмоқ, олмоқ, ағдармоқ, бўшатмоқ, ажратиб бермоқ; ~ **стака́н се́мечек** бир стакан пистачка солиб бермоқ; ~ **муки́ в кулёк** ундан (унинг бир қисмини) қоғоз халтага солиб олмоқ (бермоқ); 2 *что прост.* сахийлик (эррайимлик) қилиб бермоқ, аямай санаб бермоқ.

ОТСЫПА́ТЬ *несов. см.* **отсы́пать.**

ОТСЫПА́ТЬСЯ, -плется *сов.* (*несов.* **отсыпа́ться** I) *разг.* бирмунча тўкилмоқ, бирор қисми сочилмоқ; сочилиб (тўкилиб) кетмоқ.

ОТСЫПА́ТЬСЯ I, -а́ется *несов.* 1 *см.* **отсы́паться;** 2 *страд. от* **отсыпа́ть.**

ОТСЫПА́ТЬСЯ II *несов. см.* **отоспа́ться.**

ОТСЫРЕВА́ТЬ, -а́ет *несов. см.* **отсыре́ть.**

ОТСЫРЕ́ЛЫЙ, -ая, -ое намиққан, нам тортган, намиқиб қолган, нам, ҳўл; зах босган; ~**е дрова́** нам (намиққан) ўтин.

ОТСЫРЕ́ТЬ, -е́ет *сов.* (*несов.* **отсырева́ть**) намиқмоқ, нам тортмоқ, нам тортиб (намиқиб) қолмоқ; захламоқ, зах босмоқ; **спи́чки ~ли** гугурт намиқиб қолибди; **подва́л ~л** подвал нам тортибди, подвални зах босиб кетибди.

ОТСЫХА́ТЬ, -а́ет *несов. см.* **отсо́хнуть.**

ОТСЮ́ДА *нареч.* 1 бу ердан, шу ердан, шу жойдан; ~ **до го́рода недалеко́** бу ердан шаҳарга узоқ эмас; **мы вы́йдем ~ на рассве́те** биз бу ердан тонготарда йўлга чиқамиз; ~ **вы ничего́ не уви́дите** бу ердан сиз ҳеч нима кўролмайсиз; 2 шундан, шу сабабдан, бунинг натижасида; ~ **все его́ оши́бки** унинг барча хатоси шундан, шу сабабли (шунинг оқибатида); ~ **сле́дует, что...** бундан чиқадики...; шундан маълум бўладики...; шундай экан...

ОТТА́ИВАНИЕ *с по гл.* **отта́ивать;** ~ **мя́са** гўштнинг муздан тушиши; гўштни муздан тушириш; ~ **сне́га** қорнинг эриши; ~ **по́чвы** тупроқнинг муздан тушиши.

ОТТА́ИВАТЬ *несов. см.* **отта́ять.**

ОТТА́ЛКИВАНИЕ *с по гл.* **отта́лкивать — отта́лкиваться;** ~ **от по́ла** полга тиралиб итарилмоқ; ~ **электри́ческих заря́дов** электр зарядларининг бир-бирини итариши (бир-биридан қочиши).

ОТТА́ЛКИВАТЬ *несов. см.* **оттолкну́ть.**

ОТТА́ЛКИВАТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **оттолкну́ться;** 2 *физ.* бир-бирини итармоқ, бир-биридан қочмоқ; 3 *страд. от* **отта́лкивать.**

ОТТА́ЛКИВАЮЩ/ИЙ, -ая, -ее ёқимсиз, совуқ, жирканч, кишини совутадиган, ўзидан қочирадиган; ~**ая нару́жность** совуқ башара, ёқимсиз кўриниш; ~**ий хара́ктер** жирканч феъл-атвор.

ОТТАНЦЕВА́ТЬ, -цу́ю, -цу́ешь *сов.* 1 (*несов.* **оттанцо́вывать**) *что* рақс тушиб бермоқ, рақсга тушмоқ, рақсни ижро этмоқ; ~ **ру́сскую** русча рақсга тушиб бермоқ; 2 рақс тушиб бўлмоқ, рақсни тамом қилмоқ.

ОТТАНЦО́ВЫВАТЬ *несов. см.* **оттанцева́ть** 1.

ОТТА́ПТЫВАТЬ *несов. см.* **оттопта́ть.**

ОТТАСКА́ТЬ *сов.* 1 (*несов.* **отта́скивать**) бирма-бир тортиб (итариб, судраб) олиб бориб қўймоқ; ~**брёвна к забо́ру** ходаларни бирма-бир судраб девор тагига олиб бориб қўймоқ; 2 ташиб бўлмоқ, ташиб тамом қилмоқ; 3 *кого разг.* тортмоқ, тортиб судрамоқ, чўзмоқ (жазолаш учун); ~ **за во́лосы** сочидан тортмоқ (судрамоқ); ~ **за́ уши** қулоғидан чўзмоқ.

ОТТАСКИВА́ТЬ *несов. см.* **оттаска́ть** и **оттащи́ть.**

ОТТА́ЧИВАНИЕ *с по гл.* **отта́чивать;** ~ **ножа́** пичоқни чархлаш; ~ **ка́ждой фра́зы** ҳар бир иборани силлиқлаш; ҳар бир иборага сайқал бериш.

ОТТА́ЧИВАТЬ *несов. см.* **отточи́ть** 1, 2.

ОТТАЩИ́ТЬ, -ащу́, -а́щишь 1 (*несов.* **отта́скивать**) тортиб (итариб, судраб) олиб бориб (келиб) қўймоқ; ~ **мешки́ в сара́й** қопларни судраб омборга олиб бориб қўймоқ; 2 *кого разг.* тортиб (судраб) зўрға нари олиб кетмоқ; **ма́льчика с трудо́м удало́сь ~ от больно́й ма́тери** болани бемор онасининг олдидан зўрға олиб кетишди; 3 *перен. кого разг.* узмоқ, ажратмоқ (бирор ишдан, машғулотдан ва ҳ. к.); ~ **от кни́ги** китобдан ажратмоқ (бош кўтартирмоқ); **его́ ника́к не отта́щишь от телеви́зора** уни телевизордан ажратиб (нари кеткизиб) бўлмайди.

ОТТА́Я/ТЬ *сов.* (*несов.* **отта́ивать**) 1 эримоқ, муздан тушмоқ; **земля́ ещё не ~ла** ер ҳали муздан тушгани йўқ; **ры́ба ~ла** балиқ муздан тушди; 2 *что* муздан туширмоқ; **~ть мя́со** гўштни муздан туширмоқ; 3 *перен.* юмшатмоқ, жаҳлидан туширмоқ, эритмоқ; **се́рдце ~ло** у жаҳлидан тушди; унинг кўнгли юмшади.

ОТТЕКА́ТЬ, -а́ет *несов. см.* **оттечь.**

ОТТЕНИ́ТЬ *сов.* (*несов.* **оттеня́ть**) *что* 1 соя бериб (ёки қорароқ қилиб) яққол ифодаламоқ, ажратиб кўрсатмоқ (сурат ва ш. к. да); 2 кескин (аниқ, яққол) ажратиб кўрсатмоқ; **загара́, оттенённый бе́лой руба́шкой** баданнинг қорайганлиги оқ кўйлакда яққол ажралиб турибди; 3 *перен.* аниқ-равшан ифодаламоқ, бўрттириб (ажратиб) тасвирламоқ, кўрсатмоқ, айтмоқ, таъкидламоқ, урғу бермоқ; ~ **основну́ю мысль докла́да** докладда асосий фикрни бўрттириб (таъкидлаб) кўрсатмоқ.

ОТТЕНИ́/ТЬСЯ, -и́тся *сов.* (*несов.* **оттеня́ться**) аниқ (равшан) билинмоқ, кўриниб турмоқ, яққол кўзга ташла́нмоқ; **Худоба́ лица́ [кня́зя] ещё бо́лее ~лась отпу́щенными уса́ми** (Писемский) [Князь] юзининг озғинлиги мўйлов қўйгандан кейин янада яққол билиниб қолди.

ОТТЕ́НОК *м, р.* **-нка** 1 ранг тури, рангдаги нозик фарқ; **разли́чные ~ки кра́сного цве́та** қизил рангнинг нозик турлари; **си́ний с розова́тым ~ком** пуштига мойил кўк (нимпушти) ранг; 2 *перен.* нозик фарқ, анвои тур, хил, тус, ўзгачалик, бошқачалик; ~**ки значе́ния сло́ва** сўзнинг нозик маънолари (маъно нозикликлари); 3 *перен.* тус, оҳанг; аломат, белги, асар; ~**ок печа́ли** ғамгинлик асари (аломати); **говори́ть с ~ком пренебреже́ния** менсимаслик оҳангида (менсимаган куйи) гапирмоқ.

ОТТЕНЯ́ТЬ *несов. см.* **оттени́ть.**

ОТТЕНЯ́ТЬСЯ, -я́ется *несов.* 1 *см.* **оттени́ться;** 2 *страд. от* **оттеня́ть.**

ОТТЕПЕ́ЛЬ *ж* иссиқ (илиқ) ҳаво, эрувчилик, эрувгарчилик; **весе́нняя ~** баҳорги эрувгарчилик; **наступи́ла ~** эрувгарчилик бошланди.

ОТТЕРЕ́ТЬ, оттру́, оттрёшь; оттёр, -ла *сов.* (*несов.* **оттира́ть**) 1 *что* ишқаб (ишқалаб) тозаламоқ, ишқаб-ювиб доғини (ёки кирини) кетказмоқ; ~ **пятно́** доғни ишқаб-ювиб кетказмоқ; ~ **блю́до** идишни ишқаб-ювиб тозаламоқ; 2 *кого* ишқаб ҳушига (ўзига) келтирмоқ, уқалаб жойига келтирмоқ; **обморо́женного с трудо́м оттёрли** тўнгиб қолган кишини ишқаб аранг ўзига келтиришди; ~ **ру́ку** увушиб (ёки совқотиб) қолган қўлни уқалаб жойига келтирмоқ; 3 *кого разг.* суриб олиб кетмоқ, суриб чиқармоқ; **в толпе́ их оттёрли друг от дру́га** тиқилинчда уларни сур-сур қилиб бир-биридан ажратиб юборишди.

ОТТЕРЕ́ТЬСЯ, оттрётся; оттёрся, -лась *сов.* (*несов.* **оттира́ться**) ишқаланиб (ишқаланиб-ишқаланиб) йўқ бўлмоқ, кетмоқ, тозаланмоқ (кир, доғ, бўёқ ва ш. к. ҳақида); **пятно́ оттёрлось** доғ ишқаланиб-ишқаланиб йўқ бўлди (кетди).

ОТТЕСА́ТЬ, -ешу́, -е́шешь *сов.* 1 (*несов.* **оттёсывать**) *что* йўнмоқ, тарашламоқ, йўниб текисламоқ; ~ **до́ску** тахтани йўниб текисламоқ; 2 йўниб (рандалаб, тарашлаб) бўлмоқ.

ОТТЕСНИ́ТЬ *сов.* (*несов.* **оттесня́ть**) *кого* 1 сиқиб бормоқ, суриб кетмоқ, сиқиб қўймоқ; чекинтирмоқ; ~ **неприя́теля на друго́й бе́рег реки́** душманни сиқиб бориб дарёнинг нариги четига чекинтирмоқ (чекинишга мажбур қилмоқ); 2 *перен.* сиқиб чиқармоқ, сиқиб чиқариб ўрнини олмоқ, мавқеини пасайтирмоқ; ~ **от уча́стия в турни́ре** турнирдан сиқиб чиқармоқ; ~ **чемпио́на** чемпионни сиқиб чиқармоқ (пастки ўринга туширib юбормоқ).

ОТТЕСНЯ́ТЬ *несов. см.* **оттесни́ть.**

ОТТЕСЫВА́ТЬ *несов. см.* **оттеса́ть** 1.

ОТТЕ́ЧЬ, -ечёт, -еку́т; -ёк, -екла́ *сов.* (*несов.* **оттека́ть**) оқиб тушмоқ, оқиб тушиб кетмоқ; **вода́ оттекла́ по накло́нному жёлобу** сув қия новдан оқиб тушиб кетди.

ОТТИРА́ТЬ *несов. см.* **оттере́ть.**

ОТТИРА́ТЬСЯ, -а́ется *несов.* 1 *см.* **оттере́ться;** 2 *страд. от* **оттира́ть.**

www.ziyouz.com kutubxonasi

ОТТИСК *м* 1 босиб туширилган (ёки **тушиб қолган**) из, босилган нарсанинг изи; ~**и лап лисы́ на снегу́** қорда тулки оёқларининг изи; ~**и па́льцев** бармоқ излари; **снять ~и па́льцев** бармоқлар изини тушириб олмоқ; 2 *полигр.* оттиск (босма, босилган нусха); **корректу́рный** ~ корректура оттиски; корректура учун босилган нусха; 3 оттиск (босилган китоб ёки мақоланинг айрим нусхаси); **разосла́ть а́втором** ~**и** муаллифларга оттискларни тарқатмоқ.

ОТТИ́СКИВАТЬ *несов. см.* **отти́снуть.**

ОТТИ́СКИВАТЬСЯ, -ается *несов.* 1 *см.* **отти́снуться**; 2 *страд. от* **отти́скивать.**

ОТТИ́СНУТ/Ь *сов.* (*несов.* **отти́скивать**) 1 *кого разг.* сиқиб қўймоқ, сиқиб чиқармоқ; ~**ь в сто́рону** бир чеккага суриб чиқармоқ (сиқиб қўймоқ); 2 *что* из қолдирмоқ; **следы́, ~ые на песке́** қумда қолган (қолдирилган) излар; 3 *что полигр.* босмоқ, босиб оттиск (нусха) олмоқ; **вёрстка пло́хо ~а** вёрстка ёмон босилибди (яхши босилмабди).

ОТТИ́СНУ/ТЬСЯ, -нется *сов.* (*несов.* **отти́скиваться**) изи тушмоқ, изи тушиб қолмоқ; **на стекле́ чётко ~лись чьи́-то па́льцы** шишада (ойнада) кимнингдир бармоқ излари аниқ тушиб қолибди.

ОТТОГО́ *нареч.* шунинг учун, шу сабабли; ...учун; сабабли,...; орқасида; -дан; ~ **я и не пришёл** шунинг учун мен келмадим; **по́езд опозда́л ~, что бы́ли зано́сы** йўлни қор босгани учун (сабабли) поезд кечикди; **посе́вы вы́сохли ~, что не́ было дожде́й** ёмғир бўлмаганлигидан экинлар қуриб қолди.

ОТТО́К *м* 1 қочиш, оқиб кетиш, оқиб тушиш; ~ **воды́** сувнинг оқиб кетиши (тушиши); ~ **кро́ви** қоннинг қочиши; 2 оқова ариқ (тарнов ва ш. к.).

ОТТОЛКНУ́/ТЬ *сов.* (*несов.* **отта́лкивать**) 1 *кого-что* итариб юбормоқ, туртиб юбормоқ, итариб, суриб қўймоқ; ~**ть табуре́тку ного́й** курсини оёқ билан итариб юбормоқ (ёки нари суриб қўймоқ); **меня́ ~ли в сто́рону** мени четга суриб (итариб, туртиб) юборишди; ~**ть ло́дку от бе́рега** қайиқни қирғоқдан итариб юбормоқ; 2 *перен. что* рад қилмоқ, қайтармоқ; ўзидан қочирмоқ, қувиб юбормоқ; миядан чиқармоқ; ~**ть предложе́ние** таклифни рад қилмоқ (қайтармоқ); ~**ть мысль об ухо́де** кетиш ҳақидаги ҳаёлни миядан чиқармоқ; 3 *кого* ўзидан қочирмоқ; ихлосини қайтармоқ, кўнглини қолдирмоқ, совутмоқ; ~**ть от себя́ друзе́й** дўстларини ўзидан қочирмоқ; **нас ~ла его́ холо́дность** унинг совуқлиги бизнинг кўнглимизни қолдирди (ихлосимизни қайтарди).

ОТТОЛКНУ́ТЬСЯ *сов.* (*несов.* **отта́лкиваться**) 1 бирор нарсага тираб (тиралиб) итарилмоқ, зарб билан тепиниб кўтарилмоқ; ~ **от трампли́на** трамплиндан зарб билан тепиниб учиб (сакраб) кетмоқ; ~ **весло́м от бе́рега** эшкакни қирғоққа тираб, қайиқни итармоқ; эшкакни тираб, қайиқни қирғоқдан қочирмоқ; 2 *перен.* бошланғич (бош) асос қилиб олмоқ, бош асос қилиб олиб иш бошламоқ; ~ **от принципиа́льной схе́мы** принципиал схемани бошланғич асос қилиб олиб иш бошламоқ.

ОТТОМА́НКА *ж, р. мн.* **-нок** оттоманка, кенг диван.

ОТТОМА́НСКИЙ, -ая, -ое *то же, что* **осма́нский; Отто-ма́нская импе́рия** *ист.* Усмонли туркларимперияси.

ОТТОПТА́/ТЬ, -опчу́, -о́пчешь *сов.* (*несов.* **отта́птывать**) 1 *кого-что разг.* босиб олмоқ, босиб эзиб қўймоқ (юбормоқ); мажақ қилмоқ; **в о́череди мне ~ли ту́фли** очередда туфлимни босиб эзиб юбордилар; 2 *прост.* юраверибчарчатмоқ, ҳоритмоқ, толдирмоқ; ~**ть но́ги** юраверибоёқни чарчатмоқ, юраверибоёги толмоқ.

ОТТОПЫ́РЕННЫ/Й, -ая, -ое 1 *прич. от* **оттопы́рить**; 2 *в знач. прил.* дўппайган, қаппайган, тарвақайлаган; ҳурпайган; чўччайган; ~**й карма́н** дўппайган чўнтак; ~**е у́ши** тарвақайлаган (шалпайган) қулоқлар.

ОТТОПЫ́РИВАТЬ *несов. см.* **оттопы́рить.**

ОТТОПЫ́РИВАТЬСЯ, -ается *несов.* 1 *см.* **оттопы́риться**; 2 *страд. от* **оттопы́ривать.**

ОТТОПЫР/ИТЬ *сов.* (*несов.* **оттопы́ривать**) *что разг.* 1 қаппайтирмоқ, дўппайтирмоқ, тарвақайлатмоқ; ҳурпайтирмоқ; **ку́ры ~или пе́рья** товуқлар патларини ҳурпайтирди; **карма́ны ~ены** чўнтак қаппайган (дўппайиб турибди); 2 чўччайтирмоқ, ўшшайтирмоқ; ~**ить гу́бы** лабини чўччайтирмоқ (осилтирмоқ).

ОТТОПЫ́РИ/ТЬСЯ, -ится *сов.* (*несов.* **оттопы́риваться**) *разг.* 1 дўппаймоқ, қаппаймоқ, тарвақайламоқ; ҳурпаймоқ; **карма́ны ~лись** чўнтаклар қаппайиб кетди; 2 чўччаймоқ, ўшшаймоқ, осилмоқ; **у ма́льчика ~лись гу́бы** боланинг лаблари чўччайиб (осилиб) кетди.

ОТТОРГА́ТЬ *сов. см.* **отто́ргнуть.**

ОТТОРГА́ТЬСЯ, -а́ется *несов.* 1 *см.* **отто́ргнуться**; 2 *страд. от* **отторга́ть.**

ОТТО́РГ/НУТЬ, -ну, -нешь; -о́рг и **-о́ргнул, -о́ргла** *сов.* (*несов.* **отторга́ть**) 1 *кого уст.* зўрлаб (зўрлик билан) ажратмоқ, ажратиб олмоқ, ажратиб қўймоқ; 2 *что* зўрлик билан тортиб олмоқ, босиб олмоқ; **возврати́ть наро́ду зе́мли, ~нутые захва́тчиками** босқинчилар босиб олган ерларни халққа қайтармоқ; 3 *что мед.* қабул қилмаслик; **организм ~ чужеро́дную тка́нь** организм ножинс тўқимани қабул қилмади (у билан бир бўлиб, битиб кетмади).

ОТТО́РГНУТЬСЯ, -нусь, -нешься; -о́ргся, -о́ргласъ *сов.* (*несов.* **отторга́ться**) 1 *уст.* ажралиб чиқмоқ; 2 *мед.* қабул бўлмаслик, қўшилиб, бирикиб кетмаслик.

ОТТОРГОВА/ТЬ, -гу́ю, -гу́ешь *сов. разг.* савдо-сотиқни тугатмоқ, савдони тамомламоқ; **на сего́дня магази́н ~л** магазин бугунги савдо-сотиқни тамомлади.

ОТТОРЖЕ́НИЕ *с по гл.* **отто́ргнуть; ~ пограни́чной полосы́** чегарадаги ерларни босиб олиш; чегарадаги ерларнинг босиб олиниши; ~ **пересо́женного о́ргана** кўчириб қўйилган ножинс аъзонинг битиб кетмаслиги (қабул бўлмаслиги).

ОТТОЧЕ́ННЫЙ, -ая, -ое 1 *прич. от* **отточи́ть**; 2 *в знач. прил.* силлиқ, сайқалланган, тез етиб борадиган, ифодали, ўткир, бийрон; ~ **стиль** силлиқ (сайқалланган) услуб, ўткир услуб.

ОТТО́ЧИЕ *с полигр.* қатор нуқта, кўп нуқта.

ОТТОЧИ́ТЬ, -очу́, -о́чишь *сов.* 1 (*несов.* **отта́чивать**) *что* қайрамоқ, чархламоқ, ўткир қилмоқ; очмоқ; ~ **ножи́** пичоқларни қайрамоқ; ~ **пилу́** аррани чархламоқ (тишламоқ, тишовламоқ); ~ **каранда́ш** қаламни (қаламнинг учини) очмоқ; 2 (*несов.* **отта́чивать**) *перен.* силлиқламоқ, ўткир (тез етиб борадиган, ифодали) қилмоқ, сайқал бермоқ; ~ **фра́зу** иборани силлиқламоқ; иборага сайқал бермоқ; 3 чархлаб (қайраб) бўлмоқ.

ОТТРЕПА́ТЬ, -еплю́, -е́плешь *сов.* 1 (*несов.* **оттре́пывать**) *что* титмоқ, титиб (савалаб) тозаламоқ; ~ **лён** зиғиртолани титиб (савалаб) тозаламоқ; 2 *кого разг.* чўзмоқ, чўзиб жазоламоқ; ~ **за́ уши** қулоғидан чўзмоқ; 3 титиб (савалаб) бўлмоқ, титиб (савалаб) қўймоқ.

ОТТРЕ́ПЫВАТЬ *несов. см.* **оттрепа́ть** 1.

ОТТРУБИ/ТЬ, -убл́ю, -уби́шь *сов.* 1 карнай (труба) чалиб бўлмоқ; ~**ть сбор** сбор чалиб бўлмоқ; 2 *прост.* бирор вақт машғул бўлмоқ, бирор вақтни бирор ишда ўтказмоқ; ~**л два го́да в подсо́бниках** икки йил ёрдамчи ишчи бўлиб юрди(м).

ОТТУ́ДА *нареч.* у ердан, у ёқдан, ўша жойдан (томондан, ёқдан); ~ **пло́хо ви́дно** у ердан яхши кўринмайди; ~ **мы шли пешко́м** у ердан биз ёвё келдик; **вы то́же ~ ро́дом?** сиз ҳам ўшаёқлимисиз?; сиз ҳам ўша ерда туғилганмисиз?

ОТТУЗИ́ТЬ, -ужу́, -узи́шь *сов. кого прост.* дўпписламоқ, калтакламоқ, саваламоқ, муштламоқ.

ОТТУШЕВА́ТЬ, -шу́ю, -шу́ешь *сов.* (*несов.* **оттуше́вывать**) *что* тушламоқ, тушлаб чиқмоқ, соя бермоқ; ~ **рису́нок** расмга соя бермоқ.

ОТТУШЕ́ВЫВАТЬ *несов. см.* **оттушева́ть.**

ОТТЯГА́ТЬ *сов. кого-что разг.* судлашиб (суд орқали) тортиб олмоқ (олиб қўймоқ); судлашиб ўзиники қилиб олмоқ; ~ **наследство** меросни суд орқали тортиб олмоқ.

ОТТЯГИВА́НИЕ *с по гл.* **оття́гивать**; ~ **тетивы́ лу́ка** камон (камалак) ипини тортиш; ~ **перегово́ров** музокарани чўзиш; ~ **болта́** болтни узайтириш.

ОТТЯГИВА́ТЬ *несов. см.* **оттяну́ть.**

ОТТЯ́ГИВАТЬСЯ, -ается *несов.* 1 *см.* **оттяну́ться**; 2 *страд. от* **оття́гивать.**

ОТТЯЖК/А *ж, р. мн.* **-жек** 1 *по гл.* **оттяну́ть** 1, 7; ~**а курка́** тепкини орқага тортиш (суриш); ~**а сте́ржня** стерженни чўзиш (узайтириш); 2 *спец.* силтов. **уда́рить кнуто́м с ~ой** силтов билан қамчи солиш; 3 *разг.* орқага сил-

www.ziyouz.com kutubxonasi

таш, кейинга суриш, судраш, чўзиш; ~а **отве́та** жавобни чўзиш; ~а **исполне́ния сро́чной рабо́ты** ошиғич ишнинг бажарилишини орқага судраш; 4 *спец.* тортувчи арқон ва ҳ. к.; тортқи; ~и **пала́тки** чодир тортқилари (арқонлари).

ОТТЯ́НУ/ТЬ, -яну́, -я́нешь *сов.* (*несов.* **отта́гивать**) 1 *что* четга (бирор томонга) сурмоқ, орқага тортмоқ, қайирмоқ, қайтармоқ; ~ть **куро́к** тепкини орқага тортмоқ (сурмоқ); ~ть **ве́тви** шохларни тортиб (қайириб қўймоқ); 2 *кого разг.* тортиб (судраб) олиб кетмоқ; нари тортмоқ; ~ть **дете́й от кле́тки с обезья́нами** болаларни маймунлар турган қафас олдидан олиб кетмоқ (нари тортмоқ); 3 *кого* чалғитмоқ, чалғитиб олиб кетмоқ, бирор томонга тортмоқ; ~ть **непри́ятельские та́нки на себя́** душман танкларини чалғитиб, ўзига томон тортмоқ; 4 *что* осилтирмоқ; пастга тортмоқ; ~ть **карма́ны** чўнтакларни осилтирмоқ; 5 *что разг.* оғирлик қилиб оғритмоқ, оғирлиги тушиб толиқтирмоқ; **вёдра ~ли ру́ки** пақирлар қўлни толиқтириб юборди; 6 *что* орқага силтамоқ, кейинга сурмоқ, қолдирмоқ, чўзмоқ, судрамоқ; ~ть **вре́мя** вақтни чўзмоқ; вақтни чўзиб (орқага силтаб) фойдаланмоқ; ~ть **вре́мя отъе́зда** кетиш вақтини кейинга сурмоқ (орқага силтамоқ); **реше́ние вопро́са недопусти́мо ~ли** масалани ҳал қилишни йўл қўйиб бўлмас даражада чўзиб юбордилар (судрадилар); 7 *что тех.* чўзмоқ; узайтирмоқ; ~ть **подко́ву** тақани қиздириб чўзмоқ.

ОХВАТИ/ТЬ, -ачу́, -а́тишь *сов.* (*несов.* **охва́тывать**) **1** *кого-что* қучмоқ, қучоқламоқ, қучоққа олмоқ; **сиде́ть, ~в рука́ми коле́ни** тиззаларини қучиб ўтирмоқ; **2** *что* ўрамоқ, қуршамоқ; ўраб (қуршаб) олмоқ; **~ть бо́чку обруча́ми** бочкага чамбарак (гардиш) кийдирмоқ (қоқмоқ); **~ть проти́вника с фла́нгов** душманни икки томондан ўраб (қуршаб) олмоқ; **~ть го́род ва́лом** шаҳарни тупроқ қўрғон (садд) билан ўраб олмоқ; **3** *кого-что* ўрамоқ, чулғамоқ, қопламоқ; ўраб (чулғаб, қоплаб) олмоқ, босмоқ; оғушига олмоқ; **дом охва́чен пла́менем** уйни аланга қоплаган; **тума́н ~л лес** ўрмонни туман қоплади (босди); **4** *что* ёпишиб турмоқ (кийим ҳақида); **5** *перен. кого-что* босмоқ, тушмоқ; **его́ ~ло отча́яние** у умидсизликка тушди; **6** *кого-что* қамраб олмоқ, ёйилмоқ, тарқалмоқ; **страну́ ~ла волна́ забасто́вок** иш ташлаш ҳаракати бутун мамлакатни қамраб олди (бутун мамлакатга ёйилди); **эпиде́мия ~ла юг** эпидемия жанубга тарқади; **7** *кого* жалб қилмоқ, тортмоқ, қамраб олмоқ; **~ть рабо́чих соревнова́нием** ишчиларни мусобақага жалб этмоқ; **~ть всё населе́ние медици́нской по́мощью** бутун аҳолини медицина ёрдами билан таъминламоқ; **невозмо́жно всё сра́зу ~ть** ҳамма нарсани бирдан (бир йўла) қамраб олиб бўлмайди; **✦ ~ть взгля́дом (или взо́ром)** кўз югуртириб (қараб) чиқмоқ; **учи́тель ~л взгля́дом весь класс** ўқитувчи бутун синфга кўз югуртириб чиқди.

ОХВА́ТЫВАТЬ *несов. см.* **охвати́ть.**

ОХВО́СТЬЕ *с собир.* **1** *с.-х.* хирмон таги; чори, тўпон; **~ пшени́цы** буғдойнинг чориси; **2** *перен.* ҳамдастлар; малайлар, думлар, қолдиқлар, қолган қутганлар; **фаши́стское ~** фашистларнинг малайлари.

ОХИ *мн. разг.* оҳлар, оҳ-воҳлар, оҳ-зорлар, нолишлар; **а́хи и ~** оҳ-воҳлар, оҳ-зорлар; **~да вздо́хи де́лу не помо́гут** оҳ-воҳларнинг фойдаси йўқ.

ОХЛАДЕВАТЬ *несов. см.* **охладе́ть.**

ОХЛАДЕ́/ТЬ *сов.* (*несов.* **охладе́вать**) **1** *уст.* совимоқ, совиб қолмоқ, ҳарорати пасаймоқ; **во́здух ~л** ҳаво совиди; **2** *перен. к кому-чему* совимоқ, сўнмоқ; кўнгли қолмоқ, кўнгли совимоқ, ихлоси қайтмоқ; **жела́ние ~ло** истак сўнди, хоҳиш қолмади; **~ть к рабо́те** ишдан совимоқ, ишдан кўнгли қолмоқ.

ОХЛАДИ́ТЕЛЬ *м тех.* совитгич (совитувчи асбоб ёки восита).

ОХЛАДИ́ТЕЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое 1 совитувчи, совитадиган, совитиш учун хизмат қиладиган; **~ая смесь** совитадиган (совитувчи) аралашма; **2** *перен. уст.* совитадиган, кўнгил қолдирадиган, ихлосни қайтарадиган.

ОХЛАДИ/ТЬ, -ажу́, -ади́шь *сов.* (*несов.* **охлажда́ть**) **1** *что* совитмоқ; яхна қилмоқ; **~ть ча́й** чойни совитмоқ; чойни яхна қилмоқ; **2** *перен. что* совитмоқ, сўндирмоқ; **~ть любо́вь** муҳаббатини сўндирмоқ; **3** *перен. кого* совитмоқ, кўнглини қолдирмоқ, кўнглини совитмоқ, ихлосини қайтармоқ, пасайтирмоқ; ҳовуридан туширмоқ; **его́ слова́ ~ли меня́** унинг сўзлари мени совитиб қўйди (ёки ҳовуримдан туширди).

ОХЛАДИ́/ТЬСЯ, -и́тся *сов.* (*несов.* **охлажда́ться**) совимоқ, салқинлашмоқ; **земля́ ~лась** ер совиди.

ОХЛАЖДА́ТЬ *несов. см.* **охлади́ть.**

ОХЛАЖДА́ТЬСЯ *несов.* **1** *см.* **охлади́ться; 2** *страд. от* **охлажда́ть.**

ОХЛАЖДЕ́НИЕ *с* **1** *по гл.* **охлади́ть** 1 и **охлади́ться; ~ во́здуха** ҳавони совитиш; **~ батаре́и** батареянинг совиши; батареяни совитиш; **2** *тех.* совитиш усули, системаси; **водяно́е ~** сув билан совитиш; **возду́шное ~** ҳаво билан совитиш; **дви́гатель с возду́шным ~м** ҳаво билан совитиладиган двигатель; **3** *перен.* совиш, кўнгли қолиш, кўнгли совиш; ихлоси қайтиш; **в их отноше́ниях заме́тно ~** уларнинг бир-биридан кўнгли совиганлиги сезилади.

ОХМЕЛЕ́НИ/Е *с по гл.* **охмеле́ть; в состоя́нии ~я** мастлик ҳолатида; кайф билан.

ОХМЕЛЕ́ТЬ *сов. разг.* **1** маст бўлмоқ, маст бўлиб қолмоқ, кайфи ошмоқ; **2** *перен.* мароқланмоқ, завқланмоқ, маст (махмур) бўлмоқ; ҳаяжонга келмоқ; ҳаяжонланмоқ, эримоқ; **~ от ра́дости** хурсандликдан ҳаяжонланмоқ.

ОХМЕЛИ́/ТЬ *сов.* (*несов.* **охмеля́ть**) *кого* **1** *уст. и обл.* кўп ичирмоқ; маст қилмоқ, кайфини оширмоқ; **2** *перен.* мароқ бермоқ, завқини оширмоқ, маст (махмур) қилмоқ, ҳаяжонга туширмоқ, эритмоқ; **му́зыка ~ла его́** музика уни эритиб юборди.

ОХМЕЛЯ́ТЬ *несов. см.* **охмели́ть.**

О́ХНУТЬ *сов.* и *однокр.* (*несов.* **о́хать**) оҳ (вой-вой) деб юбормоқ; оҳ тортмоқ; **~ от бо́ли** оғриқдан оҳ тортмоқ, оғриқдан вой-вой деб юбормоқ.

ОХОРАШИВАТЬ *несов. кого-что разг.* силаб-сийпаб тузатмоқ, оро бермоқ, оро бериб чиройини очмоқ, ғўзаллаштирмоқ; **~ неве́сту** келинчакка оро бермоқ.

ОХОРАШИВА/ТЬСЯ *несов. разг.* силаб-сийпаб ўзини тузатмоқ, ўзига оро бермоқ; **~ться перед зе́ркалом** ойна олдида ўзига оро бермоқ; **Сини́ца, верте́я голо́вкой, ~лась на ве́тке** (Тэсс) Читтак шохда бўйнини товлаб ўзига оро берарди.

ОХОТ/А I *ж* **1** ов; овлаш, ов қилиш; **~а на волко́в** бўри ови; бўри овлаш; **вы́йти на ~у** овга чиқмоқ (бормоқ); **2** ов иши, овчилик, овчилар.

ОХОТ/А II *ж* хоҳиш, истак, тоб; иштиёқ, ҳавас, майл; **с большо́й ~ой** зўр истак (иштиёқ) билан, жон деб; **~а пропа́ла** иштиёқ (тоб) қолмади; **вы́разить ~у** *к чему-л.* истак (хоҳиш) билдирмоқ; **2** *безл. в знач. сказ. разг.* хоҳлайди, истайди, истаги (хоҳиши) бор; **~а поспа́ть** ухлагим (ухлагиси) келяпти; уйқу қистаяпти; **✦ ~а тебе́ (вам, ему́)** сенга (сизга, унга) нима кераги бор, зарур кептими; **и ~а тебе́ спо́рить!** тортишувни (жанжаллашишни) бунча яхши кўрмасанг!; жанжалнинг нима кераги бор, сенга!

ОХО́ТИТЬСЯ, -о́чусь, -о́тишься *несов.* **1** *на кого-что* или *за кем-чем* овламоқ, ов қилмоқ; **~ на сайга́ков** оққуйруқ овламоқ; **~ за перепёлками** бедана овламоқ; бедана ови қилмоқ; **в э́тих места́х запрещено́ ~** бу ерларда ов қилиш тақиқланган; **2** *за кем-чем* орқасидан (кетидан) пойлаб юрмоқ, из қувмоқ, пайига (изига) тушмоқ; **~ за престу́пником** жиноятчининг изига тушмоқ; жиноятнинг кетидан из қувмоқ; **3** *перен. за кем-чем разг.* қидирмоқ, изламоқ, кетидан юрмоқ, қўлга киритиш учун уринмоқ, пайига тушмоқ, пайида юрмоқ (бўлмоқ); **~ за кни́жными нови́нками** янги китоблар топиш пайида юрмоқ.

ОХОТК/А *ж:* **в ~у** *прост.* **маза** қилиб, ҳузур қилиб; жон деб.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ОХОТНИК I *м* овчи; ✦ **~ за подво́дными ло́дками** сув ости кемаларини овловчи махсус кема.

ОХО́ТНИК II *м* **1** хоҳловчи, истовчи, талабгор; отилиб чиққан, кўнгилли; **вы́звать ~ов в разве́дку** разведкага боришни хоҳловчиларни (разведкага боришга талабгорларни) таклиф қилмоқ; **2** *на что* талабгор, орзуманд; **на биле́ты нашло́сь мно́го ~ов** билетга талабгор кўп топилди; **3** *до чего* или *с неопр.* ишқивоз, ҳаваскор; ўч, яхши кўрувчи, иштиёқли; **~ до чте́ния** ўқишга ишқивоз (ўқишни яхши кўрадиган) одам; **~ пое́сть** овқатга ўч одам; **он не ~ до путеше́ствий** унинг саёҳатга унчалик иштиёқи йўқ.

ОХОТНИЦА *ж см.* **охо́тник** II, 3; **Пляса́ть ~ я смо́лоду была́** (Некрасов) Ёшлигимдан рақсга иштиёқим зўр эди.

ОХОТНИЧ/ИЙ, -ья, -ье овга, овчиларга ва овчиликка оид; ов...; овчи(лар)...; овчилик...; **~ье ружьё** ов милтиқ, овчилар милтиғи; **~ья соба́ка** ов ити, овчи ит; **~ий про́мысел** овчилик касби; **~ьи принадле́жности** овчилик асбоблари.

ОХО́ТНО *нареч* жон деб, бажонидил, мамнуният билан; **я ~ пойду́ с ва́ми** мен сиз билан жон деб бораман.

ОХРА *ж* охра (сариқ ёки қизил тусли минерал бўёқ).

ОХРА́Н/А *ж* **1** *по гл.* **охраня́ть; ~а грани́ц** чегараларни қўриқлаш; чегараларни мудофаа қилиш; **~а интере́сов наро́да** халқ манфаатларини ҳимоя қилиш; **~а здоро́вья трудя́щихся** меҳнаткашлар соғлиғини сақлаш; **~а лесо́в** ўрмонларни сақлаш; **~а труда́** меҳнатни муҳофаза қилиш; **2** соқчилар, қўриқчилар, мудофаачилар; **пограни́чная ~а** чегара қўриқчилари; **береговая́ ~а** қирғоқ соқчилари; **вооружённая ~а** қуролли соқчилар; **полк ~ы** соқчилар полки; **вы́ставить ~у** соқчи(лар) қўймоқ; **доста́вить под ~ой** соқчилар назорати остида олиб бормоқ.

ОХРАНЕ́НИЕ *с* **1** *по гл.* **охраня́ть; ~ обще́ственного поря́дка** жамоат тартибини сақлаш; **2** *воен.* соқчи (қўриқчи) қисм, соқчилар (қўриқловчилар) бўлинмаси; **сторожево́е ~** қўриқловчилар (соқчилар) бўлинмаси; **боево́е ~** жанговар соқчи қисм.

ОХРАНИ́ТЕЛ/Ь *м* **1** *книжн.* сақловчи, қўриқловчи, ҳимоя (муҳофаза) қилувчи; посбон; **~и нра́вственности** одобахлоқ посбонлари; **2** *книжн. уст.* эскилик тарафдори, консерватор, муҳофазакор.

ОХРАНИ́ТЕЛЬНИЦА *ж см.* **охрани́тель** 1.

ОХРАНИ́ТЕЛЬНЫ/Й, -ая, -ое **1** сақловчи, ҳимоя (муҳофаза) қилувчи, чекловчи; ҳимоя қиладиган; ҳимоя...; сақлаш...; сақланиш...; **~е по́шлины** чекловчи божлар; **~е сре́дства живо́тных** ҳайвонларнинг ҳимоя (сақланиш) воситалари; **2** *книжн. уст.* эскиликни сақлашга қаратилган, консерватив.

ОХРАНИ́ТЬ *сов. см.* **охраня́ть.**

ОХРА́НКА *ж разг. то же, что* **охра́нное отделе́ние;** *см.* **охра́нный.**

ОХРА́ННИК *м* **1** соқчи, қоровул, посбон; **2** охранка агенти.

ОХРАНН/ЫЙ, -ая, -ое сақловчи, ҳимоя (муҳофаза) қилувчи; соқчи(лар)...; сақланувчи, ҳимоя остидаги, муҳофаза...; **~ая ро́та** соқчилар ротаси; **~ая зо́на** ҳимоя остидаги зона; ✦ **~ая гра́мота** (или **~ый лист**) муҳофаза варақаси (ҳимоя остига олинганлик ҳақидаги ҳужжат); **~ое отделе́ние** *ист.* чор Россиясида: махфий полиция ташкилоти, охранка.

ОХРАНЯ́ТЬ *несов.* (*сов.* **охрани́ть**) сақламоқ, қўриқламоқ, ҳимоя (муҳофаза) қилмоқ; **~ грани́цу** чегарани қўриқламоқ; **~ ро́дину** ватанни қўриқламоқ; **~ посе́вы** экинларни қўриқламоқ; *~ чьи-л.* **интере́сы** кимсанинг манфаатларини ҳимоя қилмоқ.

ОХРЕ́ННЫЙ, -ая, -ое охрага оид; охра рангидаги; охра...; **~ оттено́к** охра тусига мойил ранг, охра ранги.

ОХРИ́ПЛЫЙ, -ая, -ое *разг.* бўғилган, хириллаган, бўғиқ; **~ го́лос** хириллаган овоз; бўғиқ овоз.

ОХРИ́П/НУТЬ, -ну, -нешь; -и́п, -и́пла *сов.* хириллаб қолмоқ, хирилламоқ; овози бўғилиб қолмоқ; **го́лос ~** овози хириллаб (бўғилиб) қолди; **~ по́сле гри́ппа** гриппдан кейин овози бўғилиб (хириллаб) қолди.

ОХРИ́СТЫЙ, -ая, -ое **1** охраси бор, охрали; **~ая гли́на** охрали тупроқ; **2** охра рангидаги; **сарғиш қизил.**

ОХРОВЫЙ, -ая, -ое охрага оид; охра...; **~ цвет** охра ранги; сарғиш қизил ранг.

ОХРОМЕ́/ТЬ *сов. разг.* оқсоқланиб (чўлоқланиб) қолмоқ; оқсаб (чўлоқ, оқсоқ бўлиб) қолмоқ; **ло́шадь ~ла** от (нинг оёғи) оқсаб қолди.

ОХТИ́ и **О́ХТИ** *межд. прост.* аттанг, афсус; э;— **Охти́, брат, не жизнь, а го́ре** (Д. Бедный) Э, ака, бу ҳаёт эмас, ғирт азоб; **~ мне** *прост.* ҳей, аттанг!; эсиз-эсиз.

ОХУ́ЛК/А *ж:* **~и на́ руку не класть (не положи́ть)** *прост.* аноийлик қилмай (ўз фойдасини қўлдан бермай) иш кўрмоқ, оғзидагини олдирмаслик.

ОЦАРА́ПА/ТЬ *сов.* (*несов.* **оцара́пывать**) *кого-что* тимдаламоқ, тирнаб олмоқ; тирнаб ўтмоқ; **пу́ля ~ла коле́но** ўқ тиззани тирнаб ўтди; **я ~л ру́ку о шипы́** қўлимни тиканлар тирнаб кетди, қўлимни тиканга тирнатиб олдим.

ОЦАРА́ПАТЬСЯ *сов.* (*несов.* **оцара́пываться**) *разг.* тимдаланмоқ, тирналмоқ; **~ о колю́чую про́волоку** тикан симга урилиб тирналмоқ (тимдаланмоқ).

ОЦАРА́ПЫВАТЬ *несов. см.* **оцара́пать.**

ОЦАРА́ПЫВАТЬСЯ *несов. см.* **оцара́паться.**

ОЦВЕТИ́ТЬ, -и́т *сов. что книжн.* бўямоқ, бирор тусга киритмоқ.

ОЦЕЛО́Т *м* оцелот (Жанубий Америкада бўладиган йирик ёввойи мушук).

ОЦЕ́НИВАТЬ *несов. см.* **оцени́ть.**

ОЦЕНИ́ТЬ, -еню́, -е́нишь *сов.* (*несов.* **оце́нивать**) *кого-что* **1** баҳоламоқ, баҳо бермоқ, нарх қўймоқ; баҳосини (нархини) белгиламоқ; **~ карти́ну** картинани баҳоламоқ, картинага баҳо қўймоқ; **ковёр оценён в шестьсо́т рубле́й** гилам олти юз сўм баҳоланди; **2** белгиламоқ, баҳо бермоқ,... деб билмоқ(топмоқ), ҳукм чиқармоқ; *~ чьё-л.* **поведе́ние** кимсанинг хатти-ҳаракатини баҳоламоқ; **~ значе́ние** *чего-л.* бирор нарсанинг қимматини (аҳамиятини) белгиламоқ; **пра́вильно ~ зна́ния студе́нта** студентнинг билимига тўғри баҳо бермоқ; **3** қадрламоқ, қадрига етмоқ; **~ дру́жбу** дўстликни қадрламоқ, дўстликнинг қадрига етмоқ; ✦ **~ по досто́инству** *кого-что* қадр-қимматига яраша баҳоламоқ; муносиб тақдирламоқ.

ОЦЕ́НК/А *ж* **1** *по гл.* **оцени́ть; ~а иму́щества** мулкка баҳо қўйиш, мулкни баҳолаш; **~а ситуа́ции** шароитни (аҳволни) баҳолаш; **~а ка́чества проду́кции** маҳсулот сифатини белгилаш; **2** баҳо, фикр; **положи́тельная ~а** ижобий баҳо, ижобий фикр; **кни́га получи́ла высо́кую ~у** китоб юқори баҳоланди; **его́ труды́ получи́ли заслу́женную ~у** унинг меҳнатлари муносиб баҳоланди; **3** баҳо, нарх; **4** баҳо (ўқув юртларида); **хоро́шая ~а по матема́тике** математикадан яхши баҳо.

ОЦЕНО́ЧН/ЫЙ, -ая, -ое баҳолашга (нарх қўйишга) оид, нарх қўйиш билан боғлиқ бўлган; баҳо берувчи, нарх қўювчи; баҳолаш...; **~ая коми́ссия** баҳо (нарх) қўювчи комиссия; **~ая сто́имость** белгиланган нархи (баҳоси); **~ые но́рмы** баҳолаш нормалари.

ОЦЕ́НЩИК *м* баҳоловчи, нарх кесувчи (қўювчи); **~ комиссио́нного магази́на** комиссион магазиннинг нарх қўювчиси.

ОЦЕ́НЩИЦА *ж см.* **оце́нщик.**

ОЦЕПЕНЕ́Л/ЫЙ, -ая, -ое донг қотиб қолган, серрайиб қотиб қолган; мурдадек (ҳайкалдек) қотган, мурда бўлиб қолган; **впасть в ~ое состоя́ние** мурдадек қотиб қолмоқ.

ОЦЕПЕНЕ́НИ/Е *с* донг қотиб қолиш, серрайиб қотиб қолиш; мурдадек (ҳайкалдек) қотиш, мурда бўлиб қолиш; **состоя́ние ~я** донг қотган ҳолат.

ОЦЕПЕНЕ́ТЬ *сов.* донг қотиб қолмоқ, серрайиб қотиб қолмоқ; мурдадек (ҳайкалдек) қотмоқ, мурда бўлиб қолмоқ; **~ от у́жаса** қўрқувдан донг қотиб қолмоқ; **~ от хо́лода** совуқдан қотиб қолмоқ.

ОЦЕПЕНИ́ТЬ *сов.* (*несов.* **оцепеня́ть**) донг қотирмоқ, серрайтириб қўймоқ.

ОЦЕПЕНЯ́ТЬ *несов. см.* **оцепени́ть.**

ОЦЕПИ́/ТЬ, -еплю́, -е́пишь *сов.* (*несов.* **оцепля́ть**) *кого-что* ўраб олмоқ, қуршаб олмоқ; **мили́ция ~ла ме́сто ава́рии** ҳалокат юз берган жойни милиция қуршаб олди; **го́род оцеплен войска́ми** шаҳар қўшинлар билан қуршаб олинган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ОЦЕПЛЕНИЕ *с* 1 *по гл.* **оцепи́ть**; ~ **полигона** полигонни қуршаб олиш; полигон атрофини қуршаш; 2 ўраб (қуршаб) олган аскарлар (соқчилар ва ҳ. к.); **выставить** ~ атрофига соқчилар қўймоқ.

ОЦЕПЛЯ́ТЬ *несов. см.* **оцепи́ть.**

ОЦИНКОВАННЫЙ, -ая, -ое 1 *прич. от* **оцинкова́ть**; 2 *в знач. прил.* рухланган, рух югуртирилган; рух билан қопланган; ~**ое желе́зо** рухланган (рух билан қопланган) тунука.

ОЦИНКОВАТЬ, -ку́ю, -ку́ешь *сов.* (*несов.* **оцинко́вывать**) *что* рухламоқ, рух югуртирмоқ, рух билан қопламоқ; ~ **кро́вельное желе́зо** тунукани рухламоқ.

ОЦИНКО́ВКА *ж* 1 *по гл.* **оцинкова́ть**; ~ **котло́в** қозонларни рухлаш; 2 *спец.* рух қоплама.

ОЦИНКОВОЧНЫЙ, -ая, -ое рухлайдиган, рух югуртирадиган; рухлаш...; ~ **цех** рухлайдиган цех; рухлаш (рух югуртириш) цехи.

ОЦИНКОВЫВАТЬ *несов. см.* **оцинкова́ть.**

ОЧА́Г *м, р.* **-а́** 1 ўчоқ; **развести́ огонь в** ~**е́** ўчоққа ўт ёқмоқ; **вы́грести золу́ из** ~**а́** ўчоқ кулини олмоқ, ўчоқдан кул тортмоқ; 2 *перен.* оила, ўз уйи; **семе́йный** ~ ўз уйи, ўз оиласи, хонадони; 3 *перен.* манба, макон, марказ, ўчоқ; ~ **культу́ры** маданият ўчоғи; ~ **войны́** уруш маркази (манбаи); ~ **зара́зы** касаллик манбаи.

ОЧАРОВА́НИЕ *с* 1 дилбарлик, дилработлик, жозиба, сеҳр; фусункорлик, афсункорлик, тароват, фатонат; ~**е весны́** баҳор жозибаси (таровати); **подда́ться** ~**ю му́зыки** музика сеҳрига берилмоқ (мафтун бўлмоқ); 2 мафтунлик, маҳлиёлик; **быть в** ~**и** *от кого-чего-л.* бирор кимса ёки нарсага мафтун бўлмоқ.

ОЧАРО́ВАННЫЙ, -ая, -ое *1 прич. от* **очарова́ть**; 2 *в знач. прил. уст.* сеҳрланган, сеҳрланган ҳолатдаги; ~ **сон** сеҳрланган ҳолатдаги уйқу; 3 *в знач. прил.* мафтун бўлган, маҳлиё бўлган, маҳлиё.

ОЧАРОВА́ТЕЛЬНЫЙ, -ая, -ое; -лен, -льна дилбар, дилрабо, жозибали, жуда гўзал, мастона, мафтун қиладиган, фусункор, афсункор, фатонатли, фаттон; ~**й го́лос** мафтун қиладиган овоз; дилрабо овоз; фусункор овоз; ~**е глаза́** фусункор (фаттон) кўзлар; ~**й ребёнок** дилбар бола; жозибали бола.

ОЧАРОВА́ТЬ, -ру́ю, -ру́ешь *сов.* (*несов.* **очарО́вывать**) *кого* 1 *уст.* сеҳрламоқ, сеҳру жоду қилмоқ, сеҳрлаб қўймоқ; 2 мафтун қилмоқ, маҳлиё қилмоқ; ўзига асир қилмоқ; **нас** ~**ли гостеприи́мные хозя́ева** меҳмондўст мезбонлар бизни мафтун қилди (қойил қолдирди).

ОЧАРОВА́ТЬСЯ, -ру́юсь, -ру́ешься *сов.* (*несов.* **очарО́вываться**) *разг.* мафтун бўлмоқ, маҳлиё бўлмоқ; қойил қолмоқ; ~ **исполне́нием сона́ты** сонатанинг ижросига қойил қолмоқ (маҳлиё бўлмоқ).

ОЧАРО́ВЫВАТЬ *несов. см.* **очарова́ть.**

ОЧАРО́ВЫВАТЬСЯ *несов. разг.* 1 *см.* **очарова́ться**; 2 *страд. от* **очаро́вывать.**

ОЧЕВИ́Д/ЕЦ *м, р.* **-дца** ўз кўзи билан кўрган киши; гувоҳ, шоҳид; ~**ец революцио́нных собы́тий** инқилобий воқеалар шоҳиди; **стать** ~ **цем** *чего-л.* бирор нарсанинг (воқеанинг, ҳодисанинг) гувоҳи, шоҳиди бўлмоқ; **по показа́ниям** ~**цев** шоҳидларнинг кўрсатмасига қараганда (кўрсатишича).

ОЧЕВИ́ДИЦА *ж см.* **очеви́дец.**

ОЧЕВИ́ДНО 1 *нареч.* аниқ, равшан, шубҳасиз; сезиларли даражада; 2 *в знач. вводн. сл.* чамаси, балки; афтидан; эҳтимол, ...бўлса керак; **вы,** ~, **оши́блись** сиз чамаси адашган бўлсангиз керак; ~, **он не придёт сего́дня** у бугун келмаса керак; бугун у келмайдиганга ўхшайди; 3 *безл. в знач. сказ.* шак-шубҳасиз, аниқ, турган гап; ўз-ўзидан кўриниб турибди; **бы́ло** ~, **что он соверше́нно невино́вен** унинг айби йўқлиги (айбдор эмаслиги) мутлақо аниқ (шак-шубҳасиз) эди.

ОЧЕВИ́ДНОСТЬ *ж* аниқлик, аёнлик; ~ **моти́вов** мотивнинг (далилнинг) аниқлиги; **со всей** ~**ю** мутлақо аниқ, шак-шубҳасиз.

ОЧЕВИ́ДН/ЫЙ, -ая, -ое; -день -дна 1 очиқ-ойдин кўриниб турган, аён, ошкора; ~**ое удово́льствие** кўриниб турган мамнунлик; ошкора хурсандлик; 2 аниқ, шак-шубҳасиз, ўз-ўзидан кўриниб турган; ~**ая и́стина** шак-шубҳасиз ҳақиқат; чин ҳақиқат; ~**ый факт** шак-шубҳасиз факт; кўриниб турган нарса; ~**ое недоразуме́ние** кўриниб турган англашилмовчилик.

ОЧЕЛОВЕ́ЧЕНИ/Е *с книжн. по гл.* **очелове́чить и очелове́читься; проце́сс** ~**я обезья́ны** маймуннинг одамга айланиш жараёни.

ОЧЕЛОВЕ́ЧИВАНИЕ *с книжн. по гл.* **очелове́чивать и очелове́чиваться.**

ОЧЕЛОВЕ́ЧИВАТЬ *несов. см.* **очелове́чить.**

ОЧЕЛОВЕ́ЧИВАТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **очелове́читься**; 2 *страд. от* **очелове́чивать.**

ОЧЕЛОВЕ́ЧИ/ТЬ *сов.* (*несов.* **очелове́чивать**) *кого-что книжн.* 1 одамга айлантирмоқ, одамларга (инсонга) хос хусусиятларга эга қилмоқ, одамлаштирмоқ, одам сифатига киритмоқ; **гре́ки** ~**ли свои́х бого́в** юнонлар ўз ҳудоларини одамлаштирганлар (одам сифатига киритганлар); 2 одам қилмоқ, одамийликка ўргатмоқ, инсоний фазилатларни оширмоқ, инсонпарвар қилмоқ; ~**ть па́дшего челове́ка** тубанликка тушган кишини одам қилмоқ.

ОЧЕЛОВЕ́ЧИ/ТЬСЯ, -ится *сов.* (*несов.* **очелове́чиваться**) 1 одамга айланмоқ, одам шаклига (сифатига) кирмоқ; 2 одам (одамий, инсоний) бўлмоқ, одамийликка ўрганмоқ; **в социали́стическом о́бществе** ~**лись отноше́ния ме́жду детьми́ и роди́телями** социалистик жамиятда ота-оналар ва фарзандлар ўртасидаги муносабатлар одамийлашди.

ОЧЕНЬ *нареч.* жуда, ғоятда, ниҳоятда, жуда ҳам; ~ **мно́го** жуда кўп; ғоят кўп; ~ **ра́но** жуда эрта; барвақт; ~ **ча́сто** жуда кўп; кўпинча; тез-тез; ~**ре́дко** аҳён-аҳёнда, онда-сонда; ғоят сийрак (кам, оз); **э́то** ~ **про́сто** бу жуда осон; ~ **дешёвый** жуда (ниҳоятда) арзон; **не** ~ **дешёвый** жуда ҳам (унчалик) арзон эмас; ~ **прошу́** ўтиниб сўрайман.

ОЧЕРЕДНИ́К *м, р.* **-а́** *разг.* навбатда турган (навбатга ёзилган) киши.

ОЧЕРЕ́Д/Н/ОЙ, -а́я, -о́е 1 навбатдаги, галдаги; ~**о́й вопро́с** навбатдаги масала; ~**ы́е дела́** навбатдаги ишлар; **на́ша** ~**а́я зада́ча** бизнинг галдаги вазифамиз; 2 навбатдаги, кейинги, келаси, бўлғуси; ~**о́й пле́нум** навбатдаги пленум; ~**о́й о́тпуск** навбатдаги отпуска; келаси отпуска; ~**о́е зва́ние** навбатдаги (кейинги) унвон; 3 навбатчи, навбатдаги, навбат келган; ~**о́й дежу́рный** навбатчи (навбати келган) дежурний; 4 такрорланган, галдаги, такрорий, яна бир; ~**о́й при́ступ аппендици́та** аппендицитнинг такрорий (галдаги) хуружи; ~**о́й скандо́л** такрорий (галдаги) жанжал; **произошёл** ~**о́й инциде́нт** навбатдаги (яна бир) можаро юз берди.

ОЧЕРЕ́ДНОСТ/Ь *ж* кетма-кетлик (навбатлашиш, навбат) тартиби, навбат, гал; **соблюда́ть** ~**ь** навбат тартибини сақламоқ, навбатга риоя қилмоқ; **в поря́дке** ~**и** навбат (навбати) билан.

ОЧЕРЕ́Д/Ь *ж, р. мн.* **-де́й** 1 навбат, тартиб, гал; **до нас** ~**ь не дошла́** бизгача навбат (бизнинг навбатимиз) келгани йўқ; бизга ҳали гал келгани йўқ; **в поря́дке** ~**и** навбати (гали) билан, тартиб билан; 2 навбатдаги қисм; навбат; **строи́тельство пе́рвой** ~**и Ташке́нтского метро́ заверше́но** Тошкент метросининг биринчи навбати (биринчи навбатдаги қисми) қуриб битирилди; 3 навбатдаги ўрин, навбат, гал; **сейча́с моя́** ~**ь выступа́ть** ҳозир чиқиш (гапириш) менинг галим; ҳозир мен чиқаман (гапираман); 4 очередь, навбат кутувчилар, навбатда турганлар; **больша́я** ~**ь** катта очередь; ~**ь за биле́тами** билетга очередь; билет олиш учун навбатда турган кишилар; **заня́ть** ~**ь за газе́тами** газета олиш учун очередь олмоқ; **стоя́ть в** ~**и** очереддa турмоқ, навбат кутмоқ; **поста́вить на** ~**ь** очередга (навбатга) қўймоқ (ёки ёзмоқ); 5 очередь, қаторасига узилган ўқ (пулемёт, миномёт ёки автоматдан); **вы́пустить (дать)** ~**ь** қаторасига ўқ узмоқ; **стреля́ть** ~**я́ми** очередлаб ўқ отмоқ; ✦ **в пе́рвую** ~**ь** биринчи навбатда, биринчи галда, аввало; даставвал; **в свою́** ~**ь** ўз навбатида.

ОЧЕРК *м* 1 *уст.* тузилиш, кўриниш; бичим, контур; ~**и предме́тов** нарсаларнинг кўриниши; **не́жный** ~ **лица́** юзнинг нозик тузилиши, нозик юз бичими; 2 *уст.* тавсиф, баён; ~ *чьего-л.* **хара́ктера** кимса феъл-атворининг тавсифи (баёни); 3 очерк (умумий тарзда ёзилган тасвирий-тавсифий ёки илмий асар); ~ **разви́тия ру́сской поэ́зии** рус поэ-

www.ziyouz.com kutubxonasi

зияси тараққиёти ҳақида очерк; 4 *лит.* очерк (ҳаётий фактларга асосланган кичик адабий асар); **воéнный** ~ уруш ҳақида очерк; **биографи́ческий** ~ биографик очерк; 5 *мн.* ~**и** очерклар (ўзаро боғлиқ масалаларга оид илмий тадқиқотларни ўз ичига олган асарлар номи); ~**и по узбéкской поэ́зии** ўзбек поэзияси очерклари.

ОЧЕ́РКИСТ *м* очеркчи, очерк ёзувчи адиб.

ОЧЕРКИ́СТКА *ж, р. мн.* **-ток** *см.* **очеркúст.**

ОЧЕРКО́ВЫЙ, -ая, -ое *лит.* очеркка оид; очеркдан иборат бўлган; очерк...; ~ **жанр** очерк жанри.

ОЧЕ́РНИТЬ *сов.* (*несов.* **очерня́ть**) 1 *уст. что* қораламоқ, қора қилмоқ; 2 *кого-что* қораламоқ, ёмонламоқ, бадном қилмоқ, ёмонга чиқармоқ; ~ *чьё-л.* **до́брое и́мя** кимсани ёмон отлиқ қилмоқ, кимсанинг пок номини булғамоқ.

ОЧЕ́РНЯТЬ *несов. см* **очернúть.**

ОЧЕ́РСТВЕЛ/ЫЙ, -ая, -ое дийдаси қотган, раҳм-шафқатни унутган, бағритош, шафқатсиз, раҳмсиз, бефарқ; ~**ая душа́** дийдаси қотган одам.

ОЧЕ́РСТВЕТЬ *сов.* дийдаси қотмоқ, раҳм-шафқатни унутмоқ, кишиларга бефарқ қарайдиган (ачинмайдиган, лоқайд) бўлиб қолмоқ, раҳмсиз (шафқатсиз, бағритош) бўлиб кетмоқ.

ОЧЕ́РСТВИ/ТЬ, -влю́, -ви́шь *сов.* (*несов.* **очерствля́ть**) *кого-что* дийдасини қотирмоқ, бировга ачинмайдиган (лоқайд, шафқатсиз, тошюрак) қилиб қўймоқ; **неуда́чи** ~**ли его́** (или **его́ се́рдце**) муваффақиятсизликлар (омадсизлик) унинг дийдасини қотирган (юрагини тош қилиб қўйган).

ОЧЕ́РСТВЛЯТЬ *несов. см.* **очерстви́ть.**

ОЧЕРТА́НИЯ *мн.* (*ед.* **очерта́ние** *с*) 1 ташқи кўриниш, шарпа; контур; ~ **гор** тоғларнинг кўриниши (шарпаси); ~ **предме́тов** нарсаларнинг ташқи кўриниши (контури); 2 *перен.* қиёфа; ~ **бу́дущего** келажакнинг қиёфаси.

ОЧЕ́РТЕНЕ/ТЬ *сов. прост.* 1 қутурмоқ, ёвузлашмоқ, ғазабга минмоқ; ~**ть от во́дки** арақдан қутурмоқ; 2 жонига тегмоқ, кўнгилга (меъдага) урмоқ, безор қилмоқ, зериктирмоқ; **мне** ~**ло безде́лье** бекорчилик жонимга тегди.

ОЧЕ́РТЕТЬ, *сов. прост. то же, что* **очертенéть** 2.

ОЧЕРТИ́ТЬ, -ерчу́, -е́ртишь *сов.* (*несов.* **оче́рчивать**) 1 *что* атрофига чизиқ тортмоқ; чизиқ билан ўрамоқ; ҳошияламоқ; ~ **рису́нок** расм атрофига чизиқ тортмоқ, расмни чизиқ билан ўрамоқ; 2 *кого-что* таърифламоқ, тавсифламоқ, тасвирламоқ; таърифлаб (тавсифлаб, тасвирлаб) бермоқ; ~ **собы́тия дня** шу бугун бўлиб ўтган воқеаларни тасвирлаб бермоқ; ~ *чью-л.* **жизнь** кимсанинг ҳаётини тасвирлаб бермоқ; ✦ **очерти́ го́лову** *разг.* оқибатини ўйламасдан, мулоҳаза қилмасдан, олди-кетига қарамасдан, ўйлай-нетмай, шоша-пиша, тавакkалига; **очерти́ го́лову бро́ситься в ледяну́ю во́ду** шоша-пиша ўзини муздек сувга отмоқ.

ОЧЕ́РЧИВАТЬ *несов. см.* **очерти́ть.**

ОЧЕ́РЧИВА/ТЬСЯ, -ается *несов.* 1 шакли аниқ чизилган бўлмоқ; аниқ кўриниб (билиниб, ажралиб) турмоқ; **сквозь тума́н едва́** ~**лись ко́нтуры гор** туманда ғира-шира тоғ шарпаси кўринар эди; 2 *страд. от* **оче́рчивать.**

ОЧЁС *м то же, что* **очёски.**

ОЧЕСА́ТЬ, -ешу́, -е́шешь *сов.* (*несов.* **очёсывать**) *что* 1 тараб (тароқлаб, чўткалаб) тозаламоқ; ~ **лён** зиғирпояни тароқлаб тозаламоқ, зиғир толасини тарамоқ; 2 тараб текисламоқ; ~ **стог** ғарамни тараб текисламоқ.

ОЧЁСКИ *мн.* таранди, тараганда (ёки тарангада) чиқадиган лос, тук ва ш. к.; ~ **ше́рсти** жун тарандиси.

ОЧЕСЫВА́ТЬ *несов. см.* **очеса́ть.**

ОЧЕ́ЧНИК *м разг.* кўзойнак ғилофи.

ОЧЕ́ЧН/ЫЙ, -ая, -ое *разг.* кўзойнакка оид; кўзойнак...; ~**ое стекло́** кўзойнак ойнаси.

ОЧИНИВА́ТЬ *несов. см.* **очини́ть.**

ОЧИНИ́ТЬ *сов.* (*несов.* **очи́нивать** и **очиня́ть**) *что* учини ўткирламоқ, учини очмоқ (чиқармоқ); ~ **каранда́ш** қаламнинг учини очмоқ.

ОЧИ́НКА *ж по гл.* **очини́ть;** ~ **карандаше́й** қаламларнинг учини очиш (чиқариш).

ОЧИНЯ́ТЬ *несов. см.* **очини́ть.**

ОЧИСТИТЕ́ЛЬ *м тех.* тозалагич (тозалайдиган асбоб ёки жиҳоз, восита).

ОЧИСТИТЕ́ЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое 1 тозалайдиган, тозаловчи, тоза қилувчи; тозалаш...; ~**ая маши́на** тозалаш машинаси; 2 *книжн.* гуноҳни ювадиган, гуноҳлардан фориғ қиладиган; гуноҳлардан фориғ бўлиш учун қилинадиган; ~**ая же́ртва** гуноҳлардан фориғ бўлиш учун бериладиган қурбон.

ОЧИСТИ/ТЬ, -и́щу, -и́стишь *сов.* (*несов.* **очища́ть**) 1 *что* тозаламоқ; ~**ть ковёр от пы́ли** гиламнинг чангини тозаламоқ; ~**ть дно реки́** дарё тубини тозаламоқ; 2 *что тех.* софламоқ, аралашмалардан тозаламоқ, аралашмаларини йўқотмоқ, соф ҳолга келтирмоқ; ~**ть газ** газни тозаламоқ; ~**ть спирт** спиртни тозаламоқ (софламоқ); 3 *перен. что* тозаламоқ, фориғ қилмоқ, чиқариб ташламоқ; ~**ть язы́к от варвари́змов** тилни варваризмлардан тозаламоқ; тилдан варваризмларни чиқариб ташламоқ; 4 *что* пўстини олмоқ, тозаламоқ, арчимоқ; шилмоқ; ~**ть я́йцо́** тухумнинг пўстини олмоқ; ~**ть я́блоко** олмани арчимоқ; ~**ть ры́бу** балиқни тозаламоқ; 5 *что* тозаламоқ, йиғиштирмоқ; ~**ть ко́мнату** уйни йиғиштирмоқ; ~**ть стол** столни йиғиштирмоқ; 6 *что* бўшатмоқ; холи қилмоқ; **пассажи́ры** ~**ли сало́н** пассажирлар салонни бўшатдилар (салондан чиқиб, тушиб кетдилар); 7 *что* душмандан тозаламоқ; озод қилмоқ; **к утру́** ~**ли перепра́ву от непри́ятеля** эрталабга яқин кечувни душмандан тозаладик; 8 *кого-что прост.* ўғирлаб (уриб) кетмоқ; шип-шийдам қилиб (шилиб) кетмоқ; 9 *что прост.* тозалаб қўймоқ, ялаб-юлқаб қўймоқ, пок-покиза туширмоқ; 10 *что юр. уст.* қарзларни тўламоқ, қарзлардан мусаффо қилмоқ; ~**ть уса́дьбу** ҳовли-жой қарзларини тўлаб қўймоқ, ҳовли-жойни қарзлардан мусаффо қилмоқ.

ОЧИ́СТИ/ТЬСЯ, -и́щусь, -и́стишься *сов.* (*несов.* **очища́ться**) 1 тозаланмоқ, софланмоқ, тоза (соф) бўлмоқ; **спирт** ~**лся** спирт тозаланди (тоза бўлди); 2 янгиланмоқ, мусаффо бўлмоқ, ғубори кетмоқ (ҳаво ҳақида); **по́сле грозы́ во́здух** ~**лся** момақалдироқдан кейин ҳаво янги (мусаффо) бўлди; момақалдироқдан кейин ҳавонинг ғубори кетди (кўтарилди); 3 *перен.* гуноҳлардан фориғ бўлмоқ, гуноҳи ювилмоқ; 4 тозаланмоқ, бўшамоқ, холи бўлмоқ; **река́ ещё не** ~**лась ото льда́** дарё ҳали муздан холи бўлгани (тозаланган, очилгани) йўқ.

ОЧИ́СТК/А *ж по гл.* **очи́стить** и **очи́ститься;** ~**а семя́н** уруғни тозалаш; ~**а у́лиц и площаде́й** кўча ва майдонларни тозалаш; **кисло́тная** ~**а** кислота билан тозалаш; **механи́ческая** ~**а** механик тозалаш; **огнева́я** ~**а** ўт билан тозалаш (қатрон қилиш); ✦ **для** ~**и со́вести** виждон тоза (пок) бўлсин учун, виждон азобига тушмаслик учун.

ОЧИ́СТКИ *мн.* пўчоқ, чиқит, чиқинди; **карто́фельные** ~ картошка пўчоғи.

ОЧИ́СТН/ЫЙ, -ая, -ое и **ОЧИСТНО́Й, -а́я, -о́е** тозалайдиган, тозалаш учун хизмат қиладиган; тозалаш...; ~**е рабо́ты** тозалаш ишлари; ~**е сооруже́ния** тозалаш иншоотлари.

ОЧИ́ТОК *м, р.* **-тка** *бот.* седум, семизак.

ОЧИЩА́ТЬ *несов. см.* **очи́стить.**

ОЧИЩА́ТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **очи́ститься;** 2 *страд. от* **очища́ть.**

ОЧИЩЕНИ/Е *с по гл.* **очи́стить** и **очи́ститься;** ~**е от пы́ли** чангдан тозалаш; ~**е поле́й от сорняко́в** далаларни бегона ўтлардан тозалаш; **нра́вственное** ~**е** ахлоқни поклаш (тозалаш, тузатиш); ✦ **для** ~**я со́вести** *то же, что* **для очи́стки со́вести;** *см.* **очи́стка.**

ОЧИЩЕНН/ЫЙ, -ая, -ое 1 *прич. от* **очи́стить;** 2 *в знач. прил.* тозаланган; софланган; тоза бўлган; тоза, соф; ~**ые семена́** тозаланган уруғ; ~**ый спирт** тозаланган спирт; тоза спирт; 3 *в знач. сущ.* ~**ая** *ж разг. уст.* арақ.

ОЧКАРИК *м разг. шутл.* «кўзойнак», «тўрткўз» (кўзойнак таққан киши ҳақида).

ОЧКА́СТЫЙ, -ая, -ое *прост.* кўзойнакли, кўзойнак таққан.

ОЧК/И́ *мн.* 1 кўзойнак; ~**и́ для рабо́ты** иш (ёзиш, ўқиш) вақтида тақиладиган кўзойнак; **защи́тные** ~**и́** ҳимоя қиладиган кўзойнак; **носи́ть** ~**и́** кўзойнак тақмоқ; кўзойнак тақиб юрмоқ; **по́льзоваться** ~**а́ми** кўзойнак тақмоқ, кўзойнакдан фойдаланмоқ; **пове́рх** ~**о́в смотре́ть** кўзойнак тепасидан қарамоқ; 2 тўрткўз (ҳайвонлар кўзи атрофидаги ранги бошқа гардиш).

www.ziyouz.com kutubxonasi

ОЧК/О́ *с* 1 очко, хол (қарта, домино ва ш. к. да); 2 очко (ютуқ ҳисобя); **счёт ~о́в** очколар ҳисоби; **вы́играть по ~а́м** очко ҳисобида ютмоқ; **набира́ть ~и́** очколар тўпламоқ; 3 *прост.* йигирма бир ўйини (қартада); 4 *спец.* кўз; тешик; **шлаковыпускно́е ~о́** шлак чиқариладиган кўз (тешик); **~о́ се́ти** тўр кўзи; элак кўзи; 5 *полигр.* кўз (босмахона ҳарфининг бўртма қолипи); ✦ **втере́ть ~и́** *кому* кўз бўямоқ, алдамоқ; **дать де́сять (два́дцать** и т. д.) **~о́в вперёд** *кому* кимсага олдиндан ўн (йигирма ва ҳ. к.) очко (жанда) бермоқ; кимсадан устунлигини (афзаллигини) кўрсатмоқ, аллақанча юқори турмоқ.

ОЧКОВТИРА́ТЕЛЬ *м разг.* кўзбўямачи, алдовчи, алдоқчи.

ОЧКОВТИРА́ТЕЛЬСКИЙ, -ая, -ое *разг.* кўзбўямачиларга хос бўлган; кўзбўямачиликдан иборат.

ОЧКОВТИРА́ТЕЛЬСТВО *с разг.* кўзбўямачилик.

ОЧКО́В/ЫЙ I, -ая, -ое 1 кўзойнакка оид; кўзойнак...; **~ая опра́ва** кўзойнак гардиши; 2 *зоол.* кўзойнакли; тўртқўз; **~ая змея́** кўзойнакли илон.

ОЧКО́В/ЫЙ II, -ая, -ое *спорт.* очкога оид; очколар ҳисобида аниқланадиган; **~ая систе́ма подсчёта вы́игрышей** ютуқларни очко билан ҳисоблаш системаси.

ОЧКУ́Р *м обл.* иштонбоғ.

ОЧНИК *м разг* қатнаб ўқувчи студент.

ОЧНУ́ТЬСЯ, -ну́сь, -нёшься *сов.* 1 уйғонмоқ, уйқудан турмоқ, бедор бўлмоқ; **~ от сна** уйқудан турмоқ, уйғонмоқ; уйқудан кўзини очмоқ; 2 ҳушига келмоқ, ўзига келмоқ; **~ по́сле дли́тельного беспа́мятства** узоқ беҳушликдан кейин ўзига келмоқ; 3 хаёли ўзига келмоқ, ҳушёр тортмоқ; **кру́зи очилмоқ; ~ от мы́слей** хаёл суришдан тўхтаб ҳушёр тортмоқ.

ОЧН/ЫЙ, -ая, -ое: **~ый допро́с** *юр.* юзма-юз сўроқ қилиш; **~ая ста́вка** *юр.* юзма-юз (бақамти) қилиш, юзлаштириш; **~ое обуче́ние** қатнаб ўқиш.

ОЧУМЕ́Л/ЫЙ, -ая, -ое *разг.* эс-ҳушини йўқотган, эсанкираб (гангиб, довдираб) қолган; эсхонаси чиқиб (тескари бўлиб) кетган; овсар; **~ая толпа́** эс-ҳушини йўқотган оломон; **бежа́ть как ~ый** эсхонаси тескари бўлиб қочмоқ; **что ты но́сишься, как ~ый?** нега овсарга ўхшаб, зир-зир югурасан?

ОЧУМЕ́/ТЬ *сов. разг.* эс-ҳушини йўқотмоқ; эсанкираб (гангиб, довдираб) қолмоқ; эсхонаси чиқиб (тескари бўлиб) кетмоқ, овсарланмоқ; **ты что, ~л?** эсингни едингми?; ақлдан оздингми?; **~ть от неожи́данности** кутилмаган воқеадан довдираб қолмоқ.

ОЧУТИ́/ТЬСЯ, -у́тишься *сов.* тушмоқ, тушиб қолмоқ, пайдо бўлмоқ; келиб қолмоқ; **как вы здесь ~лись?** сиз бу ерга қандай келиб қолдингиз?; **~ться в нело́вком положе́нии** ноқулай аҳволга тушиб қолмоқ.

ОЧУ́ХАТЬСЯ *сов.* (*несов.* **очу́хиваться**) *разг.* ҳушига келмоқ, ўзига келмоқ; хаёли ўзига келмоқ; ҳушёр тортмоқ, кўзи очилмоқ; **~ от потрясе́ний** қаттиқ зарбалардан кейин ўзига келмоқ.

ОЧУХИВА́ТЬСЯ *несов. см.* **очу́хаться.**

ОШАЛЕВА́ТЬ *несов. см.* **ошале́ть.**

ОШАЛЕ́ЛЫЙ, -ая, -ое *разг.* ақлдан озган, алжиган, эс-ҳушини йўқотган; эсанкираб (гангиб, довдираб) қолган, телбаланиб қолган, телбанамо; **~ от ра́дости** хурсандликдан эсанкираб қолган, шодлигидан эс-ҳушини йўқотган; **носи́ться, как ~** ақлдан озгандек зир югурмоқ.

ОШАЛЕ́ТЬ *сов.* (*несов.* **ошалева́ть**) *разг.* ақлдан озмоқ, алжиб қолмоқ, эс-ҳушини йўқотмоқ, эсанкираб (гангиб, довдираб) қолмоқ, телбаланмоқ; **~ от бо́ли** оғриқдан эсини йўқотиб қўймоқ; **~ от сча́стья** бахтдан эсанкираб қолмоқ.

ОШАРА́ШИВАТЬ *несов. см.* **ошара́шить.**

ОШАРАША/ТЬ *сов.* (*несов.* **ошара́шивать**) *кого разг.* 1 қаттиқ урмоқ, туширмоқ, айлантириб солмоқ; **~ть па́лкой** таёқ билан туширмоқ; 2 қаттиқ таажжублантирмоқ, ҳайратга солмоқ (келтирмоқ); ҳанг-манг қилиб қўймоқ; **его́ прихо́д ~л нас** унинг келиши бизни таажжублантириб (ҳанг-манг қилиб) қўйди; **но́вость ~ла всех** янгилик ҳаммани ҳайратга келтирди.

ОШВАРТОВАТЬ, -ту́ю, -ту́ешь *сов.* (*несов.* **шварто-ва́ть**) *что мор.* боғлаб қўймоқ; **~ ка́тер** катерни боғлаб (тўхтатиб) қўймоқ.

ОШВАРТОВА/ТЬСЯ, -ту́ется *сов. мор.* боғ ташламоқ, боғ ташлаб тўхтамоқ; **су́дно ~лось** кема боғ ташлади.

ОШЕ́ЕК *м, р.* **-е́йка** бўйин гўшти.

ОШЕЙНИК *м* бўйинбоғ; **соба́чий ~** итнинг бўйинбоғи.

ОШЕЛОМИ́ТЕЛЬН/ЫЙ, -ая, -ое; -лен, -льна ҳайратга соладиган, ҳайратда қолдирадиган; эсанкиратиб қўядиган; ҳайратомуз: ҳайратланарли; **~ый успе́х** ҳайратга соладиган ютуқ; ҳайратомуз муваффақият; **собы́тия развора́чивались с ~ой быстрото́й** воқеалар ҳайратомуз тезлик билан ривожланар эди.

ОШЕЛОМИ́/ТЬ, -млю́, -ми́шь *сов.* (*несов.* **ошеломля́ть**) *кого* жуда ҳам ажаблантирмоқ, ҳайратга солмоқ, ҳайратда қолдирмоқ, эсанкиратиб (довдиратиб) қўймоқ; **его́ выступле́ние ~ло нас** унинг чиқиши (нутқи) бизни ғоят ажаблантирди; **~ть проти́вника внеза́пной ата́кой** кутилмаганда атака қилиб душманни довдиратиб қўймоқ.

ОШЕЛОМЛЯ́ТЬ *несов. см.* **ошеломи́ть.**

ОШЕЛОМЛЯЮЩ/ИЙ, -ая, -ее ҳайратда қолдирадиган, эсанкиратиб (довдиратиб) қўядиган; ҳайратомуз; **~ий успе́х** ҳайратомуз ютуқ; **~ая но́вость** ҳайратомуз янгилик.

ОШЕЛЬМОВАТЬ, -му́ю, -му́ешь *сов.* (*несов.* **шельмова́ть**) *кого-что разг.* бадном қилмоқ, шарманда қилмоқ, расвои радди бало қилмоқ, обрўсини тўкмоқ, ёмонга (муттаҳамга) чиқармоқ.

ОШИБА́/ТЬСЯ *несов. см.* **ошиби́ться; челове́ку сво́йственно ~ться** ҳар қандай одам ҳам янглишади; **ты ~ешься!** сен янглишасан (янглишяпсан); **е́сли не ~юсь,** ...агар адашмасам (янглишмасам)...; **не ~ется то́лько тот, кто ничего́ не де́лает** *посл.* ҳеч иш қилмаган одамгина янглишмайди.

ОШИБИ́ТЬСЯ, -бу́сь, -бёшься; -и́бся, -и́блась *сов.* (*несов.* **ошиба́ться**) 1 янглишмоқ, адашмоқ, хато қилмоқ; хатога йўл қўймоқ; **~ при подсчёте** ҳисобда адашмоқ; **не ошибу́сь, е́сли скажу́, что...** агар шундай десам, хато қилмаган бўламан; 2 *в ком* кимса ҳақида хато фикрда бўлмоқ, адашмоқ, янглишмоқ; **я в нём оши́бся** мен ундан янглишибман (мен уни яхши билмас эканман).

ОШИ́БК/А *ж, р. мн.* **-бок** хато; хатолик; саҳв, ғалат; **грамма́тическая ~а** грамматик хато; **гру́бая ~а** кўпол хато; **доса́дная ~а** ачинарли хато; **э́то мо́я ~а** бу менинг хатоим; бу хатолик мендан ўтган; **по ~е** билмасдан, янглишиб; **допусти́ть ~у** хатога йўл қўймоқ; хато қилмоқ, янглишмоқ, адашмоқ; **написа́ть без еди́ной ~и** битта ҳам хато қилмасдан (сира янглишмасдан) ёзмоқ; **произошла́ кака́я-то ~а** қандайдир хатолик юз берибди (ўтибди).

ОШИБО́ЧНО *нареч.* билмасдан, янглишиб, адашиб; хатолик билан; хато, нотўғри; **бы́ло бы ~ счита́ть, что...** деб ўйламоқ хато (нотўғри) бўлур эди; **~ де́йствовать** хато иш тутмоқ, хато йўлдан бормоқ.

ОШИБО́ЧНОСТЬ *ж* хатолик, нотўғрилик, янглишлик; хато, саҳв; **~ сужде́ния** мулоҳазанинг нотўғрилиги; **~в том, что...** хатолик (хато) шундаки...

ОШИБО́ЧН/ЫЙ, -ая, -ое; -чен, -чна хато, янглиш, нотўғри; **~ое мне́ние** хато фикр; нотўғри фикр; **~ая пози́ция** хато позиция; **вычисле́ния ~ы** ҳисоблар нотўғри.

ОШИКА/ТЬ *сов.* (*несов.* **ши́кать**) *кого-что разг.* қийқириққа (ҳуштакбозликка) олмоқ, қийқириқ (ҳуштакбозлик) билан норозилик билдирмоқ; **~ть арти́ста** артистни қийқириққа олмоқ; **пье́са была́ ~на** пьеса қийқириққа олинди.

ОШЛАКОВАТЬ, -ку́ю, -ку́ешь *сов. что тех.* шлакка айлантирмоқ; шлакка айлантириб чиқариб юбормоқ.

ОШМЕТКИ *мн.* (*ед.* **ошме́ток** *м*) *прост.* 1 парча-пурча лой, гўнг, кесак ва ш.к.; лой-пой; 2 эски-туски кийимлар; увада-чувадалар.

ОШПА́РИВАТЬ *несов. см.* **ошпа́рить.**

ОШПА́РИВАТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **ошпа́риться;** 2 *страд. от* **ошпа́ривать.**

ОШПА́РИ/ТЬ *сов.* (*несов.* **ошпа́ривать**) 1 *что* устидан қайноқ сув қуймоқ, қайноқ сувда ювмоқ, қайноқ сувга чайқамоқ; **~ть о́вощи** сабзавотни қайноқ сувда ювмоқ; 2 *кого-что* парт қилмоқ, куйдириб қўймоқ; **я ~л но́гу** оёғим-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ни қайноқ сув тўкиб куйдириб олдим; **его́ ~ло па́ром** буғ уни куйдириб қўйди.

ОШПА́РИТЬСЯ *сов.* (*несов.* **ошпа́риваться**) парт бўлмоқ, куйиб қолмоқ; ~ **молоко́м** қайноқ сутдан куйиб қолмоқ; қайноқ сут тўкилиб парт бўлмоқ.

ОШТРАФОВА́ТЬ, -фу́ю, -фу́ешь *сов.* (*несов.* **штрафова́ть**) *кого* жарима солмоқ, жарима олмоқ; ~ **на рубль бир** сўм жарима солмоқ; бир сўм жарима олмоқ.

ОШТУКАТУ́РИВАТЬ *несов. см.* **оштукату́рить.**

ОШТУКАТУ́РИТЬ *сов.* (*несов.* **оштукату́ривать**) *что* сувамоқ, суваб чиқмоқ, суваб қўймоқ; ~ **перегоро́дку** пардеворни сувамоқ.

ОЩЕНИ́/ТЬСЯ, -и́тся *сов.* болаламоқ, бола туғмоқ; **соба́ка ~лась** ит туғди.

ОЩЕ́РИВАТЬ *несов. см.* **още́рить.**

ОЩЕ́РИВАТЬСЯ *несов.* 1 *см.* **още́риться;** 2 *страд. от* **още́ривать.**

ОЩЕ́РИ/ТЬ *сов.* (*несов.* **още́ривать**) *что разг.* иржайтирмоқ, тишининг оқини кўрсатмоқ; ғижирлатмоқ; **волк ~л зу́бы** бўри тишининг оқини кўрсатиб ириллади.

ОЩЕ́РИ/ТЬСЯ *сов.* (*несов.* **още́риваться**) *разг.* тиржаймоқ; иржаймоқ, тишининг оқини кўрсатмоқ; тишларини ғижирлатмоқ, тишининг оқини кўрсатиб ирилламоқ; **бульдо́г ~лся на незнако́мца** бульдог бегона одамга тишининг оқини кўрсатиб ириллади.

ОЩЕТИ́НИВАТЬ *несов. см.* **ощети́нить.**

ОЩЕТИ́НИВАТЬСЯ, -ается *несов.* 1 *см.* **ощети́ниться;** 2 *страд. от* **ощети́нивать.**

ОЩЕТИ́НИТЬ *сов.* (*несов.* **ощети́нивать**) *что* ҳурпайтирмоқ, диккайтирмоқ.

ОЩЕТИ́НИ/ТЬСЯ, -ится *сов.* (*несов.* **ощети́ниваться**) 1 ҳурпаймоқ; диккаймоқ, патларини (сочини, жунини ва ҳ. к.) диккайтирмоқ; **соба́ка ~лась** ит ҳурпайди (жунини ҳурпайтирди); 2 *перен.* ғижиниб (ташлангудек бўлиб) турмоқ, ташланишга тайёр (шай) бўлиб турмоқ; **~ться в предчу́вствии неприя́тного разгово́ра** кўнгилсиз гапни сезиб, ташлангудек бўлиб турмоқ; 3 *перен. на кого прост.* аччиқланмоқ, жаҳли чиқмоқ, зардаси қайнамоқ, тепа сочи тик бўлмоқ; **что ты на меня́ ~лся?** нима учун менга (мендан) аччиқланасан (аччиқланяпсан)?

ОЩИПА́ТЬ, -иплю́, -и́плешь *сов.* (*несов.* **ощи́пывать**) *то же, что* **общипа́ть.**

ОЩИ́ПЫВАТЬ *несов. см.* **ощипа́ть.**

ОЩУ́ПАТЬ *сов.* (*несов.* **ощу́пывать**) *кого-что* пайпаслаб, ушлаб кўрмоқ, пайпаслаб кўрмоқ; пайпаламоқ; ~ **ткань** газламани ушлаб кўрмоқ.

ОЩУ́ПЫВАТЬ *несов. см.* **ощу́пать.**

ОЩУ́ПЬ *ж:* **на ~** ушлаб кўрганда; ушлаб кўриб, пайпаслаб.

ОЩУ́ПЬЮ *нареч.* 1 пайпаслаб, ушлаб-ушлаб, тимирскилаб; сезги билан; **дви́гаться ~** пайпаслаб (сезги билан) юрмоқ; **найти́** *что-л.* ~ бирор нарсани пайпаслаб топмоқ; 2 *перен.* тусмоллаб, тахмин билан, тусмол билан, таваккал қилиб; **де́йствовать ~** тусмол билан ҳаракат қилмоқ (ош тутмоқ).

ОЩУТИ́М/ЫЙ, -ая, -ое *то же, что* **ощути́тельный:** ~**ая боль** сезиларли оғриқ; ~**ые успе́хи** сезиларли ютуқлар; ~**ое улучше́ние усло́вий труда́** меҳнат шароитининг сезиларли даражада яхшиланганлиги.

ОЩУТИ́ТЕЛЬНЫ/Й, -ая, -ое; -лен, -льна 1 сезиларли даражадаги, сезиларли, билинарли; ~**й хо́лод** сезиларли совуқ; ~**й удар** сезиларли даражадаги (қаттиқ) зарба; 2 *перен.* сезиларли, кўзга кўринарли; ~**й прогре́сс** сезиларли юксалиш; ~**е измене́ния** сезиларли ўзгаришлар.

ОЩУТИ́ТЬ, -ущу́, -ути́шь *сов.* (*несов.* **ощуща́ть**) *что* 1 сезмоқ, билмоқ; ~ **боль** оғриқни сезмоқ; ~ **холо́д** совуқни сезмоқ; ~ *чьё-л.* **прикоснове́ние** кимнингдир тегаётганини сезмоқ; 2 ҳис қилмоқ, бошдан кечирмоқ, тортмоқ; ~ **го́ре** бошдан қайғу кечирмоқ; ~ **го́лод** оч қолмоқ, оч қолганликни сезмоқ; ~ **ра́дость встре́чи** учрашувдан хурсанд бўлмоқ.

ОЩУЩА́ТЬ *несов. см.* **ощути́ть.**

ОЩУЩА́/ТЬСЯ, -а́ется *несов.* 1 сезилмоқ, билинмоқ; сезилиб (билиниб) турмоқ; **здесь жара́ не так ~ется** бу ерда иссиқ унча сезилмайди; **в до́ме ~ется отсу́тствие хозя́йки** уйда уй бекасининг йўқлиги билиниб (сезилиб) туради; **недоста́тка в рабо́те не ~ется** ишда камчилик (нуқсон) сезилмайди; 2 *страд. от* **ощуща́ть.**

ОЩУЩЕ́НИЕ *с* 1 *по гл.* **ощути́ть;** ~ **жа́жды** сувсаганликни сезмоқ, сувсамоқ; 2 *спец.* сезиш, ҳис қилиш; **еди́нственный исто́чник на́ших зна́ний** — ~ сезиш — бизнинг бирдан-бир билим манбаимиздир; 3 сезги, ҳис, туйғу; **неприя́тное ~** нохуш туйғу; ~ **го́ря** қайғу-алам туйғуси; ~ **ра́дости** шодлик туйғуси, севинч (шодлик) ҳисси; **у меня́ ~, что здесь кто́-то есть** менга бу ерда кимдир бордек туйиляпти (борга ўхшаяпти); **испы́тывать ~** ҳис қилмоқ.

ОЯГНИ́/ТЬСЯ, -и́тся *сов.* қўзиламоқ, туғмоқ; **овца́ ~лась** қўй қўзилади (туғди).

www.ziyouz.com kutubxonasi

СОТРУДНИКИ ГЛАВНОЙ РЕДАКЦИИ УЗБЕКСКОЙ СОВЕТСКОЙ ЭНЦИКЛОПЕДИИ, ПРИНИМАВШИЕ УЧАСТИЕ В ПОДГОТОВКЕ ИЗДАНИЯ

П. ТУРАЕВ (заведующий редакцией языка, литературы и фольклора).
М. А. МИРБАБАЕВ (заведующий редакцией научного контроля).
А. Д. САДЫБЕКОВ (заместитель ответственного секретаря).
М. У. ИСЛАМОВА, М. З. РАМАЗАНОВА, С. П. САДЫКОВ, Д. Р. ФАЙЗИЕВА, Б. У. ХОДЖАХАНОВ, Э. Ш. ШААХМЕДОВ (старшие научные редакторы).
М. ИСАКОВА, М. К. ИСЛАМБЕКОВА, Ф. Р. КАМБАРОВА, А. Р. КАРИМОВА (научные редакторы).
Я. К. ИНАГАМОВ, М. К. НАРМУРАДОВА (младшие научные редакторы).
А. К. СУЛЕЙМАНОВ (заведующий производственным отделом).
Г. Д. ЛИМ (зам. заведующего производственным отделом).
М. АБЗАЛОВА, О.АЗИМОВА, М.ГАФУРОВА, С.ГАФФАРОВ, Ф.ШАКАСЫМОВА, М.РУСТАМБЕКОВА (корректоры).
Д. Д. ПАРПИЕВА, Н. И. МИРЗАЕВА (технические редакторы).
М. ШАРАХМЕДОВА (ст. машинистка), М. Ю. ИНАГАМОВА, Т. МУРАДУЛЛАЕВА (машинистки).

Принимавшие участия в выпуске:
Головное предприятие ТППО «Матбуот»

Гаюбов М. А. (генеральный директор), Джураев В. Д. (зам. генерального директора), Марущак З. Я., Салихова М. У., Илахунов Г. Г., Исламов Р., Шайхов К., Касымов Х., Садыков Н., Усманов Ш. У., Сайфуллин З. З., Бурцева Л., Усманов А., Вознюк Л. П., Коршунова Л. А., Гузенко В. Ф., Мамадалиева С. Ш., Акбарова М. Р.,Усманова М., Юлдашева А., Мусаева Л., Пучар З.

Русско-узбекский словарь.
В 2-х томах. Том I.
Главная редакция Узбекской Советской Энциклопедии, Т., 1983.
808 стр.

С. Ф. Акобиров, З. М. Магруфов, Н. М. Маматов и др.
Русско-узбекский словарь: В 2-х т.—Т.: Главная редакция УзСЭ,1983.
— т. I. А — О. 808 с.

В первом томе 34650 слов.

ББК 81. 2Уз
4

№ 430 — 83 Гос. б-ка УзССР им. А. Навои. Тираж 75300

ИБ № 7

Сдано в набор 1. 08. 1981. Подписано в печать 30. 05. 83. Заказ № 3905. Формат 84×108 1/16. Бумага тип. №1 фабрики им. Ю. Яноницa. Гарнитура литературная. Объем 50,5 печ. л. Усл. печ. л. 84,84. Уч. изд. л. 158,8.
Тираж 75300 экз.
Цена 1 экз. 12 р. 10 к.

Главная редакция Узбекской Советской Энциклопедии. 700000, Ташкент, ГСП, ул. Жуковского, 52.

Набрано и отпечатано в Головном предприятии Ташкентского полиграфического производственного объединения «Матбуот» Государственного комитета УзССР по делам издательств, полиграфии и книжной торговли. Ташкент 700034, ул. Навои 30.

www.ziyouz.com kutubxonasi